1

2

4

5

Ўз
М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

5 ЖИЛДЛИ

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ*:**

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар),
Н. ТЎХЛИЕВ, Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, А. ҲОЖИЕВ

А. Мадвалиев таҳрири остида

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

БИРИНЧИ ЖИЛД

А – Д

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти

81.2Ўзб-4

“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор – Н.Тўхлиев.

Директорнинг биринчи ўринбосари – Д.А.Шораҳмедов.

Директор ўринбосарлари – М.Н.Аминов, А. Ниёзов.

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти – А. Мадвалиев (мудир), Ҳ. Абдиев (етакчи илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими – И.Р.Ҳодиев (бошлиқ), А. Бурхонов (бош рассом), М. Олимов (етакчи техник муҳаррир), А. Ёқубжонов (етакчи илмий программист), Д. Ҳасанова (саҳифаловчи-оператор).

Ў 16 **Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. 1. А–Д / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.—680 б.

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

ББК 81.2Ўзб-4

Ў $\frac{70105-071}{358-2006}$

ISBN 978-9943-07-051-6

© “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

СЎЗБОШИ

Тилнинг ривожланиш жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси) бошқа соҳаларига қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бунинг сабаблари маълум, албатта. Бу ўзгаришлар лексиканинг фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт, ўзгаришлар янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий бирликларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва айрим маъноларининг йўқолиши каби ҳодисалардан иборат бўлади. Бу жараёнда луғавий бирликларнинг адабий меъёр (норма)га бўлган муносабатида, қўлланиши ва бошқа хусусиятларида турлича ўзгаришлар юз беради. Ана шундай ўзгаришлар маълум даражага келганида, уларни назарий ва амалий жиҳатдан акс эттирувчи тадқиқотларга эҳтиёж туғилади. Амалий ишларнинг асосийларидан бири эса изоҳли, тарихий ва этимологик луғатлар тузиш ҳисобланади. Икки жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" юзага келгандан буён ўтган йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўзбек тили лексикасида юз берган ўзгаришлар эътиборга олинса, аллақачон ана шундай луғатнинг янгисини яратиш вақти келганлиги ва бу иш ҳозирги куннинг талаби эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида тил сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши, қонун моддаларида қайд этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Тил тараққиёти жараёнида унинг ўз ички имкониятлари асосида ривожланиши қонуни тўла, эркин амал қила бошлади. Бу – масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги қисқа вақт мобайнида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ана шундай омиллар таъсирида ўзбек тили луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар муносабати билан ўзбек тилининг давр талабига жавоб берадиган кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш ва чоп этиш республика ҳукуматининг махсус қарори билан Давлат дастурига киритилиб[1], уни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига юклатилди.

Янги кўп жилдли изоҳли луғатни тузишда 1981 йилда нашр этилган икки жилдли изоҳли луғат материалларидан фойдаланилди. Лекин у икки жилдли луғатнинг тўлдирилган ёки қандайдир ўзгартишлар билан қайта ишланган нашри эмас, балки лексикографиянинг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда яратилган мутлақо янги луғатдир. Бир умумий луғавий маънога эга бўлган сўз шаклларидан асосийсини бериш, қолганларининг эса, маънода муайян силжиш, ўзгариш бўлмаган ҳолларда берилмаслиги; аввалги луғатда "эскирган", "диний" каби белгилар остида берилган (ёки умуман берилмаган) тарихий, этнографик, диний терминларга янгича ёндашув; ўзбекча ёки умумтуркий бўлмаган сўз ва терминларга (арабча, форсча, байналмилал, русча ва бошқа тилларга мансуб сўзларга) мумкин қадар тўлиқ этимологик маълумот бериш кабилар ҳам ушбу луғатнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. У ҳозирги ўзбек тили лексикасининг ҳолатини ва

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори ва унга илова қилинган Давлат дастури.

ривожланиш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда яратилди. Бунга ўзбек тилшунослигининг кейинги йиллардаги эркин тараққиёти, Тил ва адабиёт институтида тўпланган катта миқдордаги лексикографик материаллар имконият туғдирди.

Ўзбек лексикографиясининг тарихи Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда яратилган машҳур "Девону луғотит турк" асари билан бошланган. Ушбу луғат фақат сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмасдан, туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, географик жойлашуви каби кенг маълумотларни ҳам қамраб олган. Шу билан бирга, у дастлабки икки тилли (туркийча-арабча), изоҳли луғатлардандир. Яна бир юртдошимиз Маҳмуд Замахшарий ўзининг "Асос ул-балоға" асари ва "Муқаддимат ул-адаб" (XII аср) деб номланган тўрт тилли (араб, форс, ўзбек, мўғул) луғати билан ҳам амалий, ҳам назарий лексикография ривожига катта ҳисса қўшди. XIII асрда эса "Ат-туҳфатуз-закияти фил-луғатит-туркия" деб номланган ноёб луғатлардан бири яратилди. Алишер Навоий ижодига бўлган катта қизиқиш XV асрдан кейинги даврда буюк шоир асарлари тили, умуман эски ўзбек тили билан боғлиқ бир қанча луғатларнинг яратилишига сабаб бўлди: Толе Имони Ҳиравийнинг "Бадое ул-луғат" (XV аср) номли чиғатойча-форсча луғати, "Абушқа" номи билан машҳур бўлган чиғатойча-туркча изоҳли луғат (XVI аср, Туркия), Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг "Келурнома" деб номланган ўзбекча-форсча луғати (XVII аср), Муҳаммад Ризо Хоксорнинг "Мунтахаб ул-луғот" номли изоҳли луғати (XVIII аср), Мирзо Маҳдийхоннинг "Санглоҳ" номли чиғатойча-форсча луғати (XVIII аср), Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатоий ва турки усмоний" (XIX аср) каби ва бошқа луғатлар шу жумладандир. Шарқшунослик ва туркийшунослик фанларининг ривожланиши туфайли анъанавий луғатчилик билан бир қаторда XIX аср 2-ярмидан янгича йўналишдаги ўнлаб русча-ўзбекча, ўзбекча-русча ва умуман туркий тиллар лексикасини изоҳловчи луғатлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу жиҳатдан Л.З.Будаговнинг 2 жилдли "Сравнительный словарь турецко-татарских наречий" ("Туркий лаҳжаларнинг қиёсий луғати", СПб., 1869-71), В.В. Радловнинг 4 жилдли "Опыт словаря тюркских наречий" ("Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси", СПб., 1893-1911), В.П.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг 1884-1912 йилларда бир неча марта нашр этилган "Русско-сартовский и сартовско-русский словарь" ("Русча-сартча ва сартча-русча луғат") каби луғатлар диққатга сазовордир.

Ўзбек луғатчилиги тарихида XX аср алоҳида ўрин тутади. Бу даврда турли мақсадларни кўзда тутган кўплаб терминологик луғатлар, ўқув ва имло луғатлари, икки ва уч тилли сўзлашгичлар яратилди. Бунда, айниқса, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча, шунингдек, ўзбек тилини бошқа европа ва хорижий шарқ тиллари билан қиёслаб ўрганишга мўлжалланган луғатлар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида Е.Д. Поливановнинг "Қисқача русча-ўзбекча луғат"и (Тошкент-Москва, 1926), Ашурали Зоҳирийнинг 2 жилдли "Русча-ўзбекча мукаммал луғат"и (34 минг сўз; Тошкент, 1927-28), К.К.Юдахиннинг "Қисқача ўзбекча-русча луғат"и (араб графикасида; Тошкент, 1927), У.Аҳмаджонов ва Б.Илёзовнинг "Ўзбекча-русча луғат"и (лотин графикасида; Тошкент, 1931), С.Раҳматий ва Абдулла Қодирийларнинг "Русча-ўзбекча тўла сўзлик" (2-жилд, 34 минг сўз; Тошкент-Қозон, 1934; луғатнинг 1-жилди нашр этилмай қолган), В.В.Решетовнинг "Қисқача ўзбекча-русча луғат"и (Тошкент, 1935) кабиларни кўрсатиш мумкин. 40-йилларнинг бошларида 17 минг сўзли "Ўзбекча-русча луғат" (Тошкент, 1941) ва 30 минг сўзли "Русча-ўзбекча луғат" (Тошкент, 1942) яратилди ва нашр этилди. Проф. Т.Н.Қори-Ниёзий ва проф. А.К.Боровковлар таҳрири остида тайёрланган ушбу луғатлар сўзлигининг таркиби жиҳатидан ҳам, луғат мақолаларининг тўлалиги жиҳатидан ҳам аввал нашр этилган луғатлардан анча мукаммал эди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти лексикографларининг республикадаги тажрибали таржимонлар билан ҳамкорликда яратган 5 жилдли "Русча-ўзбекча луғат"нинг босилиб чиқиши (78 минг сўз; Тошкент, 1950-55), 50 минг сўзли 1 жилдли "Русча-ўзбекча луғат" (М., 1954) ва 40 минг сўзли 1 жилдли "Ўзбекча-русча луғат" (М., 1959) каби луғатларнинг нашр этилиши ўзбек лексикографияси тарихида муҳим воқеа бўлди.

Мазкур луғатлар, айниқса, 1959 йилда нашр этилган “Ўзбекча-русча луғат” ўзбек тилининг дастлабки, биринчи изоҳли луғатини тузиш учун асос бўлди ва унинг илмий базасини юзага келтирди. Ушбу луғатларда ўзбек лексикографиясининг тажрибалари умумлаштирилган, ҳозирги замон ўзбек тилининг лексик-семантик тизими ва XX асрда шаклланган меъёрлари биринчи марта кенг тавсиф этилган эди.

Шундай қилиб, икки тилли луғатлар, хусусан, “Ўзбекча-русча луғат” устида олиб борилган барча ишлар, маълум маънода, изоҳли луғатни яратиш учун тайёргарлик бўлди, унга замин ҳозирлади. Бу ишлар давомида ўзбек тилининг изоҳли луғати ва ўзбекча-русча луғатларнинг тузилиши учун умумий бўлган кўпгина масалалар, жумладан, луғатда бош сўзларнинг шакли, сўз танлаш принциплари, сўзларнинг маъновий, услубий ва грамматик тавсифлари, лексикографик белгилар тизими ва бошқа масалалар амалий равишда ҳал этилди. 60 минг сўз ва сўз бирикмасини қамраб олган 2 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (М., 1981), 2 жилдли “Русча-ўзбекча луғат” (Тошкент, 1983—84) ҳамда 1 жилдли “Ўзбекча-русча луғат” (Тошкент, 1988)ларнинг нашр этилиши ўзбек луғатчилиги тарихида янги босқични бошлаб берди.

Амалий лексикография соҳасида эришилган муайян муваффақиятлар билан бир қаторда луғатчиликнинг назарий муаммоларига — луғатшуносликка ҳам эътибор қаратилди ва изоҳли ҳамда икки тилли луғатларнинг маълум лексикографик масалаларини ҳал этишда орттирилган бой тажрибани, шунингдек, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни ёритишга бағишланган бир қатор илмий ишлар ҳам амалга оширилди. Бундай изланишларнинг натижа ва хулосалари тузилажак луғатларнинг сифатини яхшилашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилининг турли тарихий даврларига, турли функционал услубларига оид битмас-туганмас сўз бойлигини тўла-тўкис қамраб олиш учун маълум хронологик чегараларга эга бўлган, аниқ мақсадга мўлжалланган луғатлар тузиш тақозо этилади. Масалан, Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоирларнинг асарларини ўқиш учун махсус луғат зарур, чунки эски ўзбек тили ҳозирги ўзбек адабий тилидан луғат таркиби жиҳатидан ҳам, грамматик қурилиши жиҳатидан ҳам сезиларли фарқ қилади. Бундай луғатлар тузилган ва нашр этилган ҳам. Масалан, П. Шамсиев ва С. Иброҳимовларнинг “Навоий асарлари луғати” (Тошкент, 1972). Бу луғат биринчи марта 1953 йилда “Ўзбек классик адабиёти асарларини ўқиш учун қисқача луғат” номи билан нашр этилган эди. 1983-85 йилларда эса проф. Э.И.Фозилов раҳбарлигида шоир асарлари тилининг 4 жилдли анча мукаммал луғати нашр этилди.

Ўзбек тили лексикаси, ҳатто XX асрнинг ўзини олиб қараганда ҳам, таркиб жиҳатидан бир хил эмас. Унда айрим муаллифлар томонидан ишлатилган, лекин ҳали ўзбек адабий тилига кириб улгурмаган, шунингдек, шеваларга оид сўзлар ҳам анчагина. Бундан ташқари, Ўзбекистонда қадимдан ривожланган касб-ҳунарларга оид, фақат ҳунармандлар ўртасида ишлатиладиган лексика ёки XX асрда ўзбек тилида пайдо бўлган сон-саноқсиз илмий-техникавий терминлар борки, буларнинг ҳаммасини битта луғатга сиғдириб бўлмайди. Айни шу сабабли касб-ҳунар, шева луғатлари, терминологик луғатлар тузиш тажрибаси ҳам мавжуд. Бу жиҳатдан С. Иброҳимовнинг 3 қисмли “Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси” луғати (Тошкент, 1956—59), О. Усмон ва Р. Дониёровларнинг “Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати” (Тошкент, 1965; 2-нашри — 1972), академик Ш.Ш.Шоабдураҳмонов таҳрири остида нашр этилган “Ўзбек халқ шевалари луғати” (Тошкент, 1972), Олим Усмон раҳбарлигида тузилиб нашр этилган “Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати” (Тошкент, 1976) ва бошқа ўнлаб луғатлар эътиборга лойиқ. Ўзбек тилининг янги изоҳли луғати ана шундай бой лексикографик тажриба асосида юзага келди.

Ўзбек тилининг ушбу изоҳли луғати кенг хронологик доирада ўзбек тилининг бутун сўз бойлигини эмас, балки ҳозирги замон ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлашни ўзига мақсад қилиб қўяди. Чунки ўзбек тили XX асрнинг 2-ярмида, хусусан, кейинги ўн йилда янги-янги сўзлар, сўз шакллари ва ифода воситалари билан бойиди, шу билан бирга, сифат жиҳатидан ҳам анча ўзгарди. Унда янги меъёр (норма)лар,

янги хусусиятлар шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар тилнинг фонетик таркиби ва алифбосида ҳам, имло ва талаффузида ҳам, морфологик ва лексик-семантик тузилмасида ҳам, стилистикаси ва грамматик қурилишида ҳам озми-кўпми ўз аксини топди. Айниқса, ўзбек тили лексикасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника ва маданиятнинг беқиёс тараққиёти, мамлакатимизда янги иқтисодий ислоҳотлар ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўзбек тили луғат таркибида жуда кўп янги сўзлар ва терминлар юзага келди. Кўпгина сўзларнинг маъноси ўзгарди, кенгайди, айрим сўзларнинг маъноси янада аниқлашди, ўзаро фарқланди. Буларнинг барчаси луғатда ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, луғатнинг асосий вазифаси ҳозирги ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш билан бирга унинг меъёрларини белгилаш ва барқарорлаштиришдан иборатдир. Айни замонда у нутқ маданиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Луғатнинг меъёрийлиги шундан иборатки, унда адабий тилнинг имло, талаффуз, сўз ясаш ва уни ишлатиш меъёрлари тавсия этилади. Бунинг учун сўзлар луғатга, ўзларининг умуммиллий адабий тилга муносабати, унда тутган ўрни ва қўлланиш доирасига кўра танлаб киритилган. Луғатда ҳар бир сўзнинг мақбул ёзилиш шакли, (ўзлашма сўзларнинг) келиб чиқиши – этимологияси, зарур ҳолларда, талаффузи кўрсатилган, маъноси (ёки маънолари) аниқланган ва изоҳланган, сўзларнинг аниқланган маънолари ва шу маъноларда тўғри қўлланиши ўзбек бадиий ва илмий адабиётидан, матбуотдан олинган мисоллар – иқтибослар билан далилланган.

Лекин меъёрни пайқаш, меъёрий ҳолатларни ажратиб олиш осон иш эмас. Шу сабабли адабий тил меъёрларини белгилашда луғатда айрим камчиликлар, мунозарали, баҳсли ҳоллар бўлиши табиийдир. Луғатнинг юзага келиши, адабий тил меъёрларини қатъий, барқарор ҳолга келтириш билан бирга, унда узил-кесил ҳал этилмаган масалаларни аниқлаш ва бартараф қила бориш учун ҳам ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, меъёрий луғат адабий тил меъёрларини белгилашга интилар экан, меъёрларни абадийлаштирмайди. Чунки тил меъёрлари ҳам, тилнинг ўзи каби, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, ривожланиб туради.

Ўзбек тилининг ушбу изоҳли луғатини тузишга киришишдан олдин катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бадиий адабиёт намуналарига таяниб, луғатнинг лексик асоси – луғат картотекаси фондини тўлдириш ва бойитишга алоҳида эътибор берилди. Чунки тилнинг бойлиги ва меъёрлари, аввало, сўз усталарининг асарларида акс этади, сайқал топади. Натижада картотека фондида Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан бошлаб то шу кунгача бўлган ўзбек ёзувчилари асарларидан ҳамда ўзбек тилида нашр этилган ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, диний-фалсафий, илмий-оммабоп асарлар, дарсликлардан, вақтли матбуот ва қисман бошқа тиллардан ўзбекчага қилинган таржималардан олинган уч миллионга яқин мисол-карточка тўпланди.

Луғат картотекаси фондини бойитиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор А. Ҳожиев томонидан “Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома” ишлаб чиқилди ва нашр этилди (Тошкент, 2000). ”Йўриқнома” нашр этилишидан олдин унинг қўлёзмаси мутахассислар орасида кенг муҳокама қилинди.

Луғатнинг айрим ҳарфларини Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор Ш. Шоабдураҳмонов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, филология фанлари докторлари, профессорлар А. Нурмонов, Н. Маҳмудов ва А. Маматов, физика-математика фанлари доктори, профессор Ш. Эгамбердиев, география фанлари доктори С. Қораев, филология фанлари номзоди С. Олимовлар кўриб чиқдилар. Луғат сифатини яхшилашга хизмат қилган қимматли фикр-мулоҳазалари, маслаҳатлари учун муаллифлар жамоаси ва Институт раҳбарияти уларга самимий миннатдорчилик билдиради.

Луғат қўлёзмасининг дастлабки ва сўнгги, якуний таҳрири, этимологик маълумотларни тегишли манбалар асосида аниқлаштириш, муҳокама ва тақризларда билдирил-

ган барча фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда филология фанлари номзоди А. Мадвалиев томонидан амалга оширилди.

“Луғатнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш” қисми А. Ҳожиев томонидан ёзилди. А, В, Е, И, Й, К, Л, М, Т, У, Ш, Э, Ю, Я, Ў, Қ, Ғ, Ҳ ҳарфлари А. Ҳожиев, Б, Д, Ф ҳарфлари филология фанлари доктори, профессор Э. Бегматов (Б, Д ҳарфлари А. Мадвалиев билан ҳамкорликда), Г, Е, Ж, З ҳарфлари филология фанлари доктори Э. Умаров (ҳар тўртала ҳарф А. Мадвалиев билан ҳамкорликда), Н, О ҳарфлари филология фанлари номзоди Н. Маҳкамов, П, Р ҳарфлари филология фанлари номзоди З. Мираҳмедова, С, Х, Ц, Ч ҳарфлари филология фанлари номзоди Д. Худойберганова (С ҳарфи А. Мадвалиев билан ҳамкорликда) томонидан тузилди (С ҳарфининг дастлабки вариантини тузишда филология фанлари доктори М. Содиқова иштирок этган).

Луғатнинг дастлабки таҳрирдан кейинги компьютер нусхаси кичик илмий ходимлар Р. Қиличев, И. Панасенко ва Д. Ҳакимовлар томонидан, сўнгги таҳрир асосидаги компьютер нусхаси катта илмий ходим Э. Панасенко томонидан тайёрланди. Техник ишларни бажаришда кичик илмий ходимлар Ж. Маматов, Н. Чинниқулов, Д, Акбарова, С. Сатторова ва О. Жумаевлар иштирок этишди.

Муаллифлар жамоаси ушбу луғатнинг нашр этилиши кенг ўқувчилар оммасининг эҳтиёжини маълум даражада қондирар, ўзбек адабий тили меъёрларининг барқарорлашувига, нутқ маданиятининг янада юксалишига ёрдам берар, деб умид қилади.

Азиз ўқувчилардан луғат ҳақидаги мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини қуйидаги манзилларга юборишларини сўраймиз: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига – 700170, Тошкент-170, академик И. Мўминов кўчаси, 9-уй ва “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриётига – 700129, Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

ЛУҒАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Луғат унга киритилган луғавий бирликлар ва уларга тузилган луғат мақолаларидан ташкил топган.

Луғавий бирлик деганда, одатда, луғатга киритилган ва луғат мақоласи тузиладиган сўз (бош сўз) тушунилади. Лекин бу терминни кенгроқ маънода, яъни изоҳли луғатда маъноси (маънолари) белгиланиб, унга (уларга) изоҳ бериладиган – луғат мақоласи тузиладиган бирлик маъносида тушуниш тўғри ва мақбулдир. Шундай тушунилганда, фақат луғатга киритилган сўзларнигина эмас, ёрдамчи сўзлар билан ҳосил қилинган (ажратиб ёзиладиган) *тасдиқ қилмоқ* каби ясама сўзларни, шунингдек, бош сўз иштирокида юзага келган турғун бирикмаларни (мас. *бош* сўзи иштирок этган *боши осмонга етди, боши қотди* каби ибораларни) ҳам луғавий бирлик (изоҳланувчи бирлик) деб қараш ўринли бўлади.

Луғатга киритилган сўзлар алифбо тартибида берилади ва улар, одатда, луғатнинг сўзлиги деб қаралади. Бу нотўғри эмас. Лекин масалага (ҳодисага) юқоридаги каби кенгроқ маънода қаралган тақдирда, фақат луғатга киритилган сўзларгина эмас, балки луғатга киритилган ва маънолари белгиланиб, изоҳ билан таъминланувчи ажратиб ёзиладиган ясама сўз ва турғун бирикмалар ҳам луғатнинг сўзлигини ташкил этади. Лекин улар, маълум принцип асосида, бош сўзга тузилган луғат мақоласи ичида берилади.

1. **Бош сўз**. Луғат сўзлигидан ўрин олган ҳар бир сўз *бош сўз* дейилади. Қуйидаги сўз ва сўз шакллари луғатга киритилди, яъни бош сўз сифатида берилди:

Умумистеъмолдаги сўзлардан: 1. Ҳозирги ўзбек тилида умумистеъмолда бўлган, адабий тилга оид мустақил (туб ва ясама) сўзлар, ёрдамчи сўзлар, ундов ва тақлид сўзлар, шунингдек, модал сўзлар.

2. Сўзнинг ўз вазифа ва маъносидан ташқари луғавий маъно ҳам касб этган шакли. Мас., *қушдек, қип-қизил, ўқувчи* сўз шакллари *“енгил”, “ғирт”, “ўтакетган”, “талаба”* маъносига ҳам эгалиги туфайли бош сўз сифатида берилади.

Феълнинг нисбат шаклларини киритиш-киритмасликда ҳам шу йўл тутилади, яъни нисбат шакли нисбат маъносидан ташқари луғавий маънога ҳам эга бўлса, луғатга киритилди.

3. Бир ёки ҳар иккала қисми мустақил қўлланмайдиган жуфт ва такрорий сўзлар: *бозор-ўчар, ола-кула, ади-бади, лаш-луш, ўлда-жўлда, чақма-чақар, бирдан-бир, лов-лов, мўлт-мўлт* ва ш.к. Лекин иккинчи қисми фонетик ўзгариш билан қўлланувчи (жамлик ифодаловчи) *ош-пош, ирим-сирим* каби жуфт сўзлар луғатга киритилмади.

4. Сўзнинг адабий тилда параллел қўлланувчи *адаб-одоб, каптар-кабутар, набира-невара, маъно-маъни* каби, *шоир-шоира, муаллим-муаллима* каби жинс билдирувчи вариантлари, шунингдек, бир сўзнинг тарихий, бадиий ва б. асарларда қўлланувчи вариантлари: *бирлан-бирла, била* каби.

Чегараланган лексикадан: 1. Кўпчилик қўллайдиган ва тушунадиган, дарслик, илмий-оммабоп асар ва даврий матбуотда кўп қўлланадиган терминлар: *инқилоб, иқтисод, кўпайтирув, акция, тола, рақс, эмлаш, шудгорлаш* ва б.

2. Касб-ҳунар лексикасидан ҳам кўпчилик тушунадиган ва қўллайдиган *чарх, арра, танда, ранда, эгов, искана* каби сўзлар, шунингдек, *косиб, дурадгор, қурувчи, кулол, пардозчи* каби касб эгасини билдирувчи сўзлар ва улардан ясалган *дурадгорлик, ҳунармандчилик, кулолчилик* каби соҳа номини билдирувчи сўзлар.

3. Оддий сўзлашув нутқига оид сўзлардан кўпчилик қўллайдиган, ёзма нутқда ҳам кўп учрайдиган *бирам, ўлгудай, кетворган, шунақанги, муллажиринг* кабилар, шунингдек, нутқнинг маълум бир турига хос бўлган *нанна, ҳачу* (болалар нутқига хос); *ўргилай, қоқиндиқ* (аёллар нутқига хос) каби сўзлар.

4. Шевага оид сўзлардан: 1) адабий тилда параллел қўлланадиган *каравот-сўри-чорпоя* каби сўзлар; 2) адабий тилга мансуб бўлмаса ҳам, кўпчилик шеваларда қўлланадиган ва ёзма манбаларда ҳам учрайдиган *гурунг, манглай, қўноқ* каби сўзлар; 3) адабий тилда варианти бўлмаган, маълум бир ёки бирдан ортиқ шевада қўлланадиган *елвизак, елвагай, арчимоқ, арна* каби сўзлар.

5. Тарихий сўзлардан ўтмишни ёритиш ва тасвирлашга оид ишларда қўлланадиган *хон, амир, қарол, чоракор, батрак, қози, миршаб, омоч, чақирим* каби сўзлар.

6. Эскирган сўзлардан ўз вақтида кенг истеъмолда бўлиб, ҳозирда бошқа сўз билан алмашган ёки илмий, бадиий асарлар ва бошқа манбаларда қўлланувчи *дорилфунун, кашшоф, чағир, илик, айламоқ* каби сўзлар.

7. Ҳозирги тилда мустақил ҳолда деярли қўлланмайдиган, ҳатто бутунлай истеъмолдан чиққан, лекин истеъмолда бўлган мақол, матал ва турғун иборалар таркибида, шунингдек, маълум бир сўз билангина қўлланувчи *нил* (бўёқчининг нилими), *бебилиска* (бебилиска пул), *чумак* (чумак урмоқ), *барҳам* (барҳам бермоқ), *миқ* (миқ этмаслик), *ато* (ато қилмоқ) каби сўзлар.

8. Диний тушунчаларни билдирувчи, оғзаки ва ёзма нутқда кенг қўлланадиган *ақиқа, азон, рўза, ийд, намоз, никоҳ, фотиҳа*, *черков, буддизм, насроний* каби сўзлар.

9. Халқлар номларидан: 1) кўпчиликка маълум халқларни билдирувчи *ўзбеклар, турклар, инглизлар, немислар, французлар, араблар, хитойлар* каби сўзлар; 2) тарихда маълум роль ўйнаган, шу туфайли номи ҳозирги ёзма манбаларда учрайдиган халқ, қабила ва сулолаларни билдирувчи *суғдлар, салжуқийлар, қорахонийлар, хазарлар* ва ш. к.; 3) ўзбек халқи таркибига кирувчи қабила ва уруғ номлари: *қарлуқлар, қипчоқлар, манғитлар, қирқлар, найманлар* каби сўзлар худди шундай (кўплик) шаклида луғатга киритилди.

10. Шўро даврида кенг истеъмолда бўлган, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин бошқа сўз билан алмаштирилган *революция* (инқилоб), *экономика* (иқтисодиёт), *план* (режа), *район* (туман), *область* (вилоят), *массив* (даҳа), *минут* (дақиқа) каби сўзлар киритилди.

Юқоридаги бандларда қайд этилган талабларга мос келмайдиган (жавоб бермайдиган) сўзлар ва сўз шакллари, шунингдек, қисқартмалар (ХДП, ИИБ каби), атоқли отлар изоҳланувчи бирлик (бош сўз) сифатида луғатга киритилмади.

Луғатга сўз танлаш ҳақидаги қисқа тарзда айтилганлардан маълум бўлдики, буларга амал қилиш билан шу масалада (луғавий бирлик, унинг вариантлари ва ш. к. жиҳатдан) адабий меъёр (норма) белгиланди ва бу ишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада шу вақтга қадар давом этиб келаётган баъзи нуқсон ва хатоликлар тузатилди. Мас., 1976 йилда “Фан” нашриёти томонидан чоп этилган “Ўзбек тилининг имло луғати”да *кавламоқ, ковак* сўзлари худди шундай берилган. Икки жилдли изоҳли луғатда эса *кавак, ковламоқ* шаклида берилган. Ваҳолонки, бу икки сўздаги “К” ҳарфидан кейинги ҳарф бир хил бўлиши, аниқроғи “О” ёзилиши керак. Чунки уларнинг иккаласи ҳам аслида *ков* сўзидан ясалган: *ков+ак*, *ков+ламоқ* (Луғатда улар худди шундай шаклда берилди).

Луғатга киритилган бош сўздан ёрдамчи сўз орқали ҳосил қилинган (ажратиб ёзиладиган) ясама сўзлар, турғун бирикмалар бўлса, улар бош сўзга тузилган луғат мақоласи ичида, бош сўзнинг ўзига тузилган луғат мақоласи ниҳоясига етгач, янги абзацдан қора ҳарфлар билан аввал ясама сўзлар, уларга тузилган луғат мақолаларидан сўнг эса турғун бирикмалар изоҳланувчи бирлик сифатида берилди. Демакки, уларнинг ўзига луғат мақоласи тузилди.

Турғун бирикмалар ҳам луғатга киритиладиган сўзларга қўйиладиган (юқорида қайд этилган) талаблар асосида луғатга киритилди. Яъни умумистеъмолда бўлган, шунингдек,

қўлланиш доираси чегараланган турғун бирикмалардан кўп ишлатиладиган, ёзма нутқда ҳам кўп учрайдиганлари киритилди. Булар қуйидагилар:

1. Оғзаки ва ёзма нутқда кўп қўлланадиган, турли соҳага оид бирикма терминлар: *миллий даромад, даромад солиғи, атроф муҳит, маъмурий жазо, меҳнат дафтарчаси, қон босими, жарима тўпи* ва ш. к.

2. Маъноси таркибидаги сўзлар маъносига тенг бўлмайдиган (одатда "қўшма сўз" деб қаралувчи) *назар солмоқ, жавоб бермоқ, лойиқ кўрмоқ, озор бермоқ* ва ш. к.

3. Таркибидаги бирор сўз кўчма маъноли бўлган бирикмалар: *оқ кўнгил, кўнгли оқ, қора кўнгил, кўнгли қора, қўли гул* ва ш. к.

4. Кўчма маъноли иборалар (фразеологизмлар): *аммамнинг бузоғи, уччига чиққан, оёғини қўлга олмоқ, тошингни тер* ва ш. к.

5. Изоҳ талаб этувчи мақол ва маталлар: *Темирни қизиғида босмоқ. Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Сўқир кўзга сурма. Кўза кунда эмас, кунида синади* ва ш. к.

Бирор сўзга тузилган луғат мақоласига киритиладиган юқорида келтирилган типдаги турғун бирикмалар бўлса, улар худди шу беш банддаги тартибда берилди ва ҳар бирининг маъноси (маънолари) қайд этилиб, уларга изоҳ берилди, шунингдек, бу маъно ва изоҳларни тасдиқловчи мисоллар ҳам келтирилди.

Маълум бўлдики, луғат мақоласи бош сўзнинг ўзига тузилган бўлиши ёки шу бош сўздан ҳосил қилинган ясама сўз ҳамда таркибида шу сўз иштирок этган турғун бирикмалар бўлса, уларга тузилган луғат "мақолача"ларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. (Мас., **АМАЛ** сўзига тузилган луғат мақоласига қаранг).

Бош сўзлар (мустақил сўзлар) ноль шаклда (бош шаклда) берилди (Унинг "шакл" дейилиши ҳам шартли бўлиб, ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмайди). Фақат халқ, қабила, элат номлари, шунингдек, айрим терминлар кўплик шаклида берилди. Шу билан бирга, бирлик шакли ҳам бош сўз сифатида берилди. Мисол:

ЎЗБЕК [изоҳ]...

ЎЗБЕКЛАР [изоҳ]...

Омонимлар алоҳида-алоҳида сўз сифатида рим рақамлари билан (нуқтасиз) бош сўз қилиб берилди. Мисол:

БОҒ I **1** Мевали дарахт, гул, ток ва ш. к. банд этган ер майдони...

БОҒ II **1** Боғлайдиган нарса ва унинг тугилган (боғланган) жойи...

Омографлар ҳам бошқа-бошқа сўз сифатида бош сўз қилиб берилди. Уларнинг урғудаги фарқи қайд этилди. Мисол:

МЕХАНИК (от)...

МЕХАНИК (сфт.)

ҲОЗИР [изоҳ]. *Ҳозир аҳвол бошқача.*

ҲОЗИР (шу онда). *Ҳозир кетди.*

Феъллар -*моқ* шаклида (*ишламоқ, келмоқ*) берилди. Лекин бу шакл шартли бўлиб, ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмайди.

Сўзнинг бирор шакли шу шаклга хос маъно ва вазифадан бошқа маъно ва вазифа касб этган бўлса, шу шакл бош сўз сифатида берилди ва ҳар бир маъно, вазифаси қайд этилди. Мисол:

ТОРТИБ 1 Тортмоқ фл. рвдш. *Тортиб йиқитмоқ...*

2 *кўм.* [изоҳ] *Катталардан тортиб ёшларгача.*

Бош сўз мустақил қўлланмай, бирор сўз билан ёки турғун ибора таркибида қўлланадиган бўлса, унинг кетидан остин-устун икки нуқта (:) қўйилиб, сўнгра шу сўз билан берилди. Мисол:

ЛОМ-МИМ: **лом-мим демаслик**...

НИЛ: **бўёқчининг нили**...

Ажратиб ёзиладиган ясама сўз ва турғун бирикмалар ҳам, асосан, юқоридаги принципга, яъни от бўлса, бош келишикда, феълга тенг бўлса, -*моқ* шаклида берилди. Лекин баъзи турғун бирикмалар (фразеологик бирикмалар) нутқда маълум бир шаклдагина қўлланади

ва ула́р луғатда ҳам худди шу шаклида берилди. Мас., *илоннинг ёғини ялаган, ёғ тушса ялагудай, илон пўст ташлайди* иборалари фақат шу шаклида қўлланади ва луғатда ҳам шу шаклда берилди. Мисол:

Бош сўз кўп маъноли бўлса, фразеологик иборалардан бошқа иборалар бош сўзнинг қайси маъносига алоқадор бўлса, шу маъносида (шу маъносининг изоҳи ва унга берилган мисоллардан сўнг) берилди. Фразеологик ибора (иборалар) луғат мақоласи охирида берилди. Мисол:

БОШ 1. Тананинг бўйиндан юқори қисми. *Одамнинг боши... Бошини олмоқ... Бошим кал, кўнглим нозик...*

2 Ақл, эс... *Бошига келмоқ...*

6 Энг олдинги, биринчи (ўриндаги)...

Бош гап (*тлш.*)... **Бош сўз** 1) *айн.* **сўз боши**...; 2) изоҳли луғатда алифбо тартибида берилган, унга луғат мақоласи тузиладиган муайян сўз...

Бош олиб кетмоқ... **Бир ёқадан бош чиқариб**...

Эслатма 1. Турғун иборалар шу ибора таркибида албатта қатнашадиган (мажбурий компоненти бўлган), шу иборанинг шаклланишида асосий сўз ҳисобланувчи сўзга тузилган луғат мақоласида берилди. Мас., *ҳамма бир ёқадан бош чиқарса* жумласидан *бир ёқадан бош чиқармоқ* ибора сифатида берилди ва у *бош* ёки *ёқа* сўзига тузилган луғат мақоласига киритилди (*ҳамма* сўзи ибора таркибига киритилмади).

2. Бир сўз ёки унинг маъноларига киритиладиган бир типдаги иборалар, мақол ва маталлар бирдан ортиқ бўлса, алифбо тартибида берилди. Фразеологик иборалар ҳам алифбо тартибида берилди.

3. Турғун ибораларнинг вариантлари (таркибий қисмида бўладиган ўзгариш) қавс ичида *ёки* сўзи билан кўрсатилди. Мас., **азоб тортмоқ** (*ёки* **чекмоқ**), **кўнгли (***ёки* **феъли) тор, кўнгли жойига (***ёки* **ўрнига) тушмоқ, кўнгли оқ (***ёки* **оқ кўнгил)**.

2. Луғат мақоласининг бош сўздан кейинги компоненти бош **сўзнинг этимологияси ҳақидаги маълумотдир**.

Этимологик маълумот қардош бўлмаган чет тил сўзларига берилди. Бунда муайян сўз асли мансуб бўлган тил (шартли қисқартма билан), сўзнинг шу тилдаги ёзилиши ва маъноси қайд этилди.

ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ [*лот.* differentia – фарқланиш] ...

СУКУТ [*а.* سكوت – индамаслик]...

Ўзлашма сўз таркибий қисмлардан, жумладан, сўзлардан ташкил топган бўлса, бу ҳолат ҳам қайд этилди. Мисол:

АНТРОПОЛОГИЯ [*юн.* anthropos – одам + logos – таълимот]...

Бир сўз ясалиш асосидан ҳосил қилинган ясама сўзларга, зарурат бўлмаган ҳолларда этимологик маълумот берилмади. Фақат сўз ясалишига асос бўлган сўзгагина этимологик маълумот берилди. Мас., *анархия, анархизм, анархист (анархиячи)* сўзларидан фақат *анархия* сўзига этимологик маълумот берилди:

АНАРХИЯ [*юн.*. anarchia – ҳокимиятсизлик]...

Ўзлашма қўшма сўзларнинг қисмлари луғатда алоҳида-алоҳида бош сўз қилиб берилган бўлса, уларга этимологик маълумот берилиб, қўшма сўзнинг ўзига бундай маълумот бериш шарт бўлмади. Мас., *айбнома* сўзининг (луғатга киритилган) *айб* ва *нома* қисмларига (шу сўзларга) этимологик маълумот берилди. Лекин *айбнома* қўшма сўзининг ўзига эса – шарт эмас. *Агротехника*, *гидробиология* сингари терминлар ҳақида ҳам айни фикрни айтиш мумкин.

Эслатма. Ўзлашма сўзнинг аслида қайси тилга мансублиги аниқ бўлмаса, шунингдек, уни ҳозирги ёзув ёки ёзувлардан бири билан ифодалаш қийин ёки умуман мумкин бўлмаса, этимологик маълумот берилмади.

Луғат мақоласининг этимологик маълумотдан кейинги қисми бош сўзга, унинг маъноси олдидан бериладиган **грамматик**, **услубий ва ҳавола этувчи қайдлардир**, Улар қисқартма шаклида берилди.

Грамматик белгининг қисқартмалари: *бирг. н.* (биргалик нисбати), *бирл.* (бирлик сон), *боғл.* (боғловчи), *взф.* (вазифасида), *куч.* (кучайтирма шакл), *кичр.* (кичрайтиш шакли), *кўм.* (кўмакчи), *кўпл.* (кўплик сон), *мажҳ. н.* (мажҳул нисбат), *мод. с.* (модал сўз), *олм.* (олмош), *орт. н.* (орттирма нисбат), *рвдш.* (равишдош), *рвш.* (равиш), *сфдш.* (сифатдош), *сфт.* (сифат), *тақл. с.* (тақлидий сўз), *унд. с.* (ундов сўз). *фл.* (феъл), *эркл.* (эркалаш шакли), *юкл.* (юклама), *ўзл. н.* (ўзлик нисбат), *ҳар. н.* (ҳаракат номи).

“**Услубий белги**” деганда, “услубий” сўзи кенгроқ маънода, яъни грамматик белгидан бошқа характеристикаларни қайд этувчи белгилар маъносида қўлланди.

Улар: *бол.* (болалар нутқига оид), *махс.* (касб-ҳунарга оид), *поэт.* (поэтикага, поэзияга оид), *кт.* (китобий сўз), *с.т.* (сўзлашув тилига оид), *фольк.* (фольклорга оид), *х.-қ.* (хотин-қизлар нутқига оид), *шв.* (шевага оид), *эск.* (эскирган сўз), *ҳақр.* (ҳақорат сўзи).

Ҳавола этувчи *қ.* (қаранг), *айн.* (айнан) ҳам шундай белгилар қаторига киради. Илм-фан соҳаларига оид сўзларда шу соҳани билдирувчи қисқартмаси қўйилди: *мат.* (математика), *тлш.* (тилшунослик), *иқт.* (иқтисодиёт) ва б.

Грамматик характеристикани қайд этувчи белги зарур ҳоллардагина берилди. Мас., *китоб, гўзал, келмоқ* сўзларининг от, сифат, феъл экани ҳеч қандай белгисиз ҳам маълум. Шунинг учун бу сўзлардан сўнг *от, сфт., фл.* белгилари қўйилмади.

Қуйидаги ҳолларда махсус қискартма (қисқартмалар) билан грамматик характеристика берилди:

1) бош сўз ўзи мансуб бўлган (асосий) сўз туркумидан бошқа туркумга оид маънога ҳам эга бўлса, қайси маъноси (ёки маънолари) билан қайси сўз туркумига оидлиги қайд этилди. Мисол:

ИССИҚ 1 *от* Жисм таркибидаги молекулалар ҳаракати (ёниш, кимёвий реакция ва ш. к.) натижасида юзага келадиган кинетик энергия; иссиқлик, ҳарорат. *Оловнинг иссиғи. Қуёшнинг иссиғи...*

3 *сфт.* Бирор манба ҳарорати билан исиган, қизиган, ҳароратли. *Иссиқ ҳаво. Иссиқ қум*;

2) сўзнинг муайян шакли шу шаклга хос маъно ва вазифасидан ташқари луғавий маъно ҳам касб этган бўлса, ҳар икки ҳолат грамматик белги билан қайд этилди. Мисол:

ҚИП-ҚИЗИЛ 1 Қизил с. куч. *Қип-қизил олма...*

2 *рвш. с.т.* Турган-битгани; бутунлай, ғирт. *Қип-қизил туҳмат. Қип-қизил маст.*

ЯХШИЛАБ 1 Яхшиламоқ фл. рвдш. *Шароитни яхшилаб, кейин иш бошлайлик.*

2 *рвш.* Яхши даражада, бекам-кўст, талаб даражасида. *Яхшилаб қурмоқ. Яхшилаб текширмоқ.*

ИККИНЧИ 1 Икки с. тртб. сон шакли. *Иккинчи қават.*

2 *рвш.* Бундан бошқа, такрор. *Иккинчи айтсанг, хафа бўламан.*

3) феълнинг нисбат шакллари бош сўз сифатида берилганда, биринчи навбатда, ана шу маъно ва вазифаси грамматик белги билан қайд этилди. Мисол:

КЎРСАТМОҚ 1 Кўрмоқ фл. орт. н. *Уйини кўрсатмоқ.*

КЎРИЛМОҚ 1 Кўрмоқ фл. мажҳ. н.;

4) мустақил сўзнинг ёрдамчи (кўмакчи) сўз вазифасида қўлланиши грамматик белги билан қайд этилди. Мисол:

КЕЛМОҚ 1 [Изоҳ] *Қишлоқдан келмоқ. Ишга кеч келмоқ...*

14 Равишдошнинг *-(и)б* ёки *-а/-й* шаклидаги етакчи феълга бирикиб, ҳаракатнинг бошланиш даражаси юз бериши, йўлакай бажарилиши каби маъноларни билдиради. *Эртапишар гилослар қизариб келяпти. Ишдан қайтишда ўғлингни ола кел* (*Келмоқ* феълига тузилган луғат мақоласига қаранг).

Мустақил бўлмаган сўз туркумларига оид сўзларнинг ҳаммасига грамматик характеристика берилди. Мас., ундов сўзлар учун *унд. с.*, тақлид сўзлар учун *тақл. с.*, модал сўзлар учун *мод. с.* белгиси қўйилди. Ёрдамчи сўзлардан: боғловчи учун *боғл.*, кўмакчи учун *кўм.*, юклама учун *юкл.* белгиси қўйилди.

Эслатма. Турғун бирикмаларга грамматик характеристика берилмади.

Услубий характеристика ва уни қайд этувчи белгилар, асосан, чегараланган қатламга оид сўзлар учун берилди ва улар изоҳли луғатда жуда муҳим вазифа бажаради. Мас., бундай белги қўйиш билан сўзнинг қўлланиш соҳаси, ўрни ва ш.к. қайд этилади. Натижада, сўз маъносининг изоҳи билан бирга унга хос бошқа белги-хусусиятлар ҳам қайд этилади. Мисол:

ИККИҚАТ *с.т.* Ҳомиладор.

Демак, *с.т.* белгиси билан, биринчидан, *иккиқат* сўзининг сўзлашув тилига мансублиги қайд этилса, иккинчидан, бу сўз адабий тилдаги *ҳомиладор* сўзига ҳавола қилиняпти ва изоҳдан "озод қилиняпти" (изоҳ *ҳомиладор* сўзида берилади). *Бўғоз* сўзининг (одамга нисбатан) ишлатилишида ҳам худди шундай йўл тутилди:

БЎҒОЗ 1 [изоҳ]...

2 *с.т.* (одам ҳақида) Ҳомиладор.

Бош сўз бирор маъноси ёки бирдан ортиқ маъноларида *қ.* ёки *айн.* белгилари билан бошқа сўзга ҳавола этилган ҳолларда ҳам худди юқоридаги каби ҳодисалар юз беради.

Ана шу бир фактнинг ўзи билан, яъни бошқа сўзга ҳавола қилиш йўли билан қанчадан-қанча ортиқча изоҳлардан ва б.лардан қутулиш, луғатнинг ихчамлигини таъминлашга қай даражада эришиш ҳақида, бунда услубий характеристикадан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бош сўз маъноси ёки маъноларидан бирининг изоҳи олдидан грамматик ва услубий белги қўйиладиган бўлса, аввал грамматик, сўнгра услубий белги берилди. Мисол:

АЙБДОР *сфт.* **1** [изоҳ]...

3 *от ҳуқ.* Жиноий жавобгар шахс...

Агар бирдан ортиқ маънога эга бўлган сўз маълум бир маъноси ёки маънолари билан чегараланган қатламга мансуб бўлса, услубий белги шу маъноси ёки маъноларининг изоҳидан олдин қўйилди. Мисол:

АМАЛ 1 [изоҳ]...

7 *мат.* Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. *Арифметик амаллар...*

8 *этн.* Иситиш, совитиш ва ш. к. мақсадларда дам солиб.. тайёрланган нарса...

4. Изоҳланувчи бирликлар (бош сўз ва турғун иборалар) **маъносини** (маъноларини) **белгилаш** ва **қайд этиш** луғат тузиш ишининг энг асосий, луғат мақоласининг доимий қисмларидан бири ҳисобланади. Луғатнинг қиймати, муваффақияти ана шу ишнинг қай даражада бажарилганлиги билан ҳам белгиланади.

Луғатда бош сўзнинг ҳар қандай маъноси эмас, балки унинг ҳозирги умумистеъмолда бўлган, кўпчиликка тушунарли бўлган маъноси (маънолари) қайд этилди.

Бош сўз бир маъноли бўлса, луғат мақоласи шу маъносига тузилди. Кўп маъноли бўлса, ҳар бир маъноси, маълум тартибда, тўқ қора рангли араб рақами билан алоҳида-алоҳида қайд этилди (Рақамдан кейин нуқта қўйилмайди). Бунда:

1) бош сўз барча маънолари билан бир туркумга оид бўлса, бу маънолари, уларнинг ўзаро боғланишини ҳисобга олган ҳолда тартибланади. Мас., *шиша* сўзи "қаттиқ ва шаффоф материал" – "ойна" ва "шу материалдан ясалган бўғзи тор идиш" – "бутилка" маъноларига эга бўлиб, изоҳли луғатда худди шу тартибда берилди (Аксинча бўлиши мумкин эмас):

ШИША 1 [изоҳ]; ойна. *Шишадан ясалган...*

2 [изоҳ]; бутилка.

2) сўзнинг маънолари умумистеъмолга ва чегараланган қатламга оид бўлса, умумистеъмолга оид маъноси (маънолари) олдин, бошқа маънолари кейин берилди. Мисол:

ЎЗАК 1 [изоҳ]...

3 *тлш.* [изоҳ]...

3) бош сўз тўғри ва кўчма маъноларга эга бўлса, тўғри маъноси аввал, кўчма маъноси ундан кейин берилди. Мисол:

ҚИММАТЛИ 1 [изоҳ] *Қимматли буюмлар...*

3 *кўчма* [изоҳ] *Қимматли маслаҳат...*

4) бош сўз бирдан ортиқ сўз туркумига оид маънога эга бўлса, сўз мансуб бўлган туркумга оид маъноси олдин, бошқаси кейин берилди. Мисол:

ОҚ 1 *сфт.* [изоҳ] *Оқ от...*

5 *от с.т.* Ароқ...

5) алмаштирилган сўзларда қуйидагича йўл тутилди:

1. Агар сўз бутунлай (яъни бир маъноли бўлса, шу маъносида, кўп маъноли бўлса, барча маъносида) бошқа сўзга алмаштирилган бўлса, унинг маъноси (маънолари) қайд этилмади. Уни *қ.* (қаранг) ёки *айн.* (айнан) белгиси орқали, алмаштирилган сўзга ҳавола этиш билан чекланилди. Мисол:

СЕКРЕТАРЬ *қ.* **котиб**.

2. Алмаштирилган сўз ўрнида ҳозир икки ёки ундан ортиқ сўз қўлланаётган бўлса, ана шу сўзларга ҳавола этилди. Мисол:

СОЮЗ *қ.* **уюшма, иттифоқ**.

3. Алмаштирилган сўз бирор маъноси ёки маънолари билан истеъмолда қолган бўлса, ўша маъноси (маънолари) қайд этилди. Қайси маъноси (маънолари)да бошқа сўзга алмашган бўлса, арабча **1** рақами билан ўша сўзга ҳавола этилади. Мисол:

АЛИФБЕ 1 *эск. айн.* **алифбо**...

2 [изоҳ] *Алифбе китоби*

АНАЛИЗ 1 *айн.* **таҳлил**...

3 [изоҳ] *Қон анализи. Анализга қон топширмоқ.*

6) сўзнинг бирор шакли луғавий маъно касб этган бўлса, дастлаб (**1** рақами билан) қандай вазифа ва маъноли шакл экани қайд этилди. Сўнгра (тегишли) тартибни қайд этувчи рақам(лар) билан луғавий маъноси (маънолари) берилди. Мисол:

ҒЎДАЙГАН 1 Ғўдаймоқ фл. сфдш...

2 *сфт.* [изоҳ]. *Жуда ғўдайган одам...*

УНАШМОҚ 1 Унамоқ фл. бирг. н... *Айтганларига унашибди.*

2 [изоҳ] *...қизини қариндошининг ўғлига унашибди.*

ТИНЧИТМОҚ 1 Тинчимоқ фл. орт.н...

2 [изоҳ]...

3 [изоҳ]...

7) бош сўз ёрдамчи (кўмакчи) сўз вазифасига эга бўлса, бу ҳолат унинг асосий маъноларидан кейин, тегишли рақам билан қайд этилди. Мисол:

ИЧ 1 [изоҳ]. *Уйнинг ичи...*

6 (Эгалик ва макон келишиклари шаклида – *ичига, ичида, ичидан*) *кўм. взф.* Макон, вақт муносабатларини билдиради. *Уй ичидан товуш эшитилди. Бир йил ичида жуда кўп нарсаларни ўрганиб олди.*

КЎРМОҚ 1 [изоҳ]...

16 *кўм. фл. взф.* -(и)б, -а/-й аффиксли равишдош шаклига қўшилиб, турли грамматик маънолар ифодалайди. *Ёзиб кўр. Бора кўрма*;

8) от туркумига оид сўзларнинг киши исми бўлиб қўлланиши унинг барча маъноларидан сўнг, тегишли рақам билан бош ҳарфда қайд этилади. Мисол:

АЗИЗ 1 [изоҳ]...

6 Азиз (эркаклар исми).

Ёрдамчи сўзлар (боғловчи, кўмакчи, юкламалар) ҳам кўп маъноли бўлиши мумкин. Лекин, луғатнинг вазифаси ва мақсади талабига кўра, уларнинг барча маъноларини қайд этиш шарт бўлмайди.

Ёрдамчи сўзлар асл вазифасидан, маъносидан бошқа маъно ва вазифага эга бўлса, бу ҳодиса алоҳида (тегишли рақамлар билан) қайд этилди. Мас., *лекин* боғловчиси от вазифасида ҳам қўлланади: *Пулни ундириш учун акам унча шошилмас эди, бир парча боғ биз учун керак эмас. Унинг лекини бор...* Ойбек, Танланган асарлар. *Лекин* сўзига хос бу хусусиятлар алоҳида қайд этилди:

ЛЕКИН 1 *боғл ...*

2 *от взф ...*

Билан сўзи, кўмакчи вазифасидан ташқари, боғловчи вазифасига ҳам эга. Бу ҳолат ҳам изоҳли луғатда қайд этилди:

Ажратиб ёзилувчи ясама сўзлар ва турғун бирикмаларнинг маъноси ҳам қайд этилди. Агар улар бирдан ортиқ маънога эга бўлса, тегишли тартибда, ёпиқ қавсли араб рақами [1), 2)...] билан қайд этилди. Мисол:

Қойил қилмоқ 1) ўринлатиб, боплаб адо этмоқ, бажармоқ...; 2) [изоҳ]. **Бошига кўтармоқ** 1) ўта ҳурмат қилмоқ...; 2) бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон қилмоқ...

5. Луғат мақоласининг энг асосий қисми (компоненти) **изоҳланувчи бирликлар маъноси (маънолари)га бериладиган изоҳдир**. Луғатнинг "Изоҳли луғат" деб аталиши ҳам, асосан, худди шу вазифасига кўрадир. Бинобарин, изоҳли луғатнинг муваффақияти, қиймати ана шу вазифанинг кай даражада бажарилганлиги, шу мақсадга қай даражада эришилганлиги билан белгиланади.

Сўз маъносини изоҳлаш таъриф, тавсиф, тушунтириш каби йўллар билан бўлади.

Мустақил сўзнинг, аниқроғи, номловчи сўзнинг маъноси унинг таркибий қисмлари (семалари) асосида изоҳланади. Мисол:

ОДАМ 1 Фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга жонли зот.

ХУНУК 1 Ёқимсиз ҳуснли...

Олмошларга бериладиган изоҳ, уларнинг қайси сўз туркумига оид сўз ўрнида қўлланишига қараб, ҳар хил бўлади. Мисол:

КИМ 1 Шахс ҳақида сўроқни билдиради...

БИЗ 1 Сўзловчи ва у мансуб бўлган шахслар гуруҳи...

Сон туркумига оид сўзнинг маъносига берилган изоҳ айни шу рақам ва у билдирадиган сонга тенг бўлади. Мисол:

ЙИГИРМА 1 20 рақами ва у билан ифодаланган сон, миқдор.

Ёрдамчи сўзларнинг маъноси (маънолари) алоҳида (махсус рақамлар билан) қайд этилмаслиги ва бунинг сабаби юқорида айтилди. Ёрдамчи сўз бир маъно ва вазифага эга бўлса, у таърифланди ва тасдиқловчи мисол келтирилди. Мисол:

АГАР *юкл.* Шарт маъносини кучайтиради, таъкидлайди. *Агар кўчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу гўзал.. қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СИНГАРИ *кўм.* Ўхшатиш, қиёсни билдиради. *Мен ҳам сен сингари йигирма икки ёшимда қайнаб, тошиб юрган кезларим эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Ёрдамчи сўз бирдан ортиқ маъно ва вазифага эга бўлса, уларнинг асосийлари айтилиб, тасдиқловчи мисоллар келтириш билан чегараланилди. Мисол:

УЧУН *кўм.* Сабаб, мақсад, аталганлик каби маъноларни билдиради, шундай маъноли муносабатларни кўрсатади. *Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгудай ҳоригани учун, ҳамма отларга Йўлчи қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ерга Мадали аканинг жиғига тегиш, рашкини келтириш учун кирганлигимни эслаб, мулзам бўлдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Хўжайиннинг қизи учун палак, дорпеч, қийиқ тикади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ёрдамчи сўзлар асл вазифасидан ташқари яна бошқа маънога (бошқа сўз туркумига хос маънога) эга бўлса, уларнинг ҳар бири луғатда алоҳида қайд этилиши юқорида айтилди. Бундай ҳолларда изоҳ масаласи қуйидагича ҳал этилди:

1. Агар муайян сўз ҳар бир вазифасида ҳам ёрдамчи сўз бўлса (масалан, *билан* сўзи каби), уларнинг изоҳи юқорида қайд этилганидек амалга оширилди.

2. Агар ёрдамчи сўз бошқа сўз туркумига оид маънога ҳам эга бўлса, **1** рақами билан унинг ёрдамчи сўз (боғловчи, кўмакчи ёки юклама) эканлиги қайд этилди ва ёрдамчи сўз сифатида (юқорида айтилган йўл билан) изоҳланди. Бошқа туркумга оидлиги тегишли рақам билан қайд этилди ва қайси сўз туркумига оид бўлса, ўша туркум сўзлари изоҳланадиган йўл билан изоҳланди. Мисол:

БАЛКИ 1 *боғл.* [изоҳ]...

2 *мод.с.* [изоҳ]...

Ундов, тақлид сўз ва модал сўзларда, асосан, унинг нимани билдириши, ифодалаши кўрсатилди, яъни изоҳ таркибида "билдиради", "ифодалайди" каби сўз бўлади. Мисол:

ВОЙ 1 Қаттиқ оғриқ, азоб ҳиссини ифодалайди...

3 Ҳаяжон, ҳайрат ҳиссини билдиради...

ГУМБУР 1 Портлаш, ағдарилиш ва ш. к. натижасида юзага келадиган товушни, шундай товушга тақлидни билдиради.

АЛБАТТА 1 Фикр, иш-ҳаракат ва ш. к. нинг қатъийлигини билдиради...

Сўзнинг луғатда қайд этилган биронта ҳам маъноси изоҳсиз қолмаслиги кераклиги юқорида айтилди. Лекин бу дегани сўзнинг луғатда қайд этилган ҳар бир маъноси шу ўринда изоҳланиши шарт деган сўз эмас. Изоҳли луғатда бундай йўл тутиш мумкин ҳам эмас. Чунки, бундай йўл тутиладиган бўлса, луғат такрор ҳолдаги изоҳлар билан тўлиб кетади. Мас., тилда маънодош (синоним) сўзларнинг кўплиги маълум. Уларнинг ҳар бирида айни бир маънога изоҳ берилаверса, луғатда такрорий изоҳларнинг қай даражада кўпайишига эътибор беришнинг ўзи кифоя. Ана шу ҳолатга йўл қўймасликка, шу билан бирга, сўзнинг луғатда қайд этилган ҳар бир маъноси изоҳга эга бўлишини таъминлашга икки хил йўл билан эришилади: 1) сўз маъносини таъриф, тушунтириш йўли билан изоҳлаш, яъни маънога изоҳ бериш; 2) сўз маъносини бошқа сўзнинг маъносига ҳавола этиш. Булардан биринчиси сўз маъносини изоҳ билан таъминлашнинг асосий йўли бўлиб, сўзнинг умумистеъмолга оид, адабий тилдаги маъноси (маънолари), албатта, ана шундай изоҳ билан таъминланди.

Иккинчи йўл эса ўзаро маънодош сўзларни изоҳлашда қўлланади. Мас., маънодош сўзлардан бири умумистеъмолга оид бўлса, бошқаси чегараланган қатламга мансуб бўлади; бири услубий жиҳатдан бетараф бўлса, бошқаси услубнинг бирон турига мансуб бўлади ва ҳоказо.

Бош сўзнинг умумистеъмолга оид, адабий тилда кенг қўлланишда бўлган, услубий ва б. жиҳатдан бетараф бўлган маъноси (маънолари) албатта изоҳланди. Бу сўзнинг синонимлари эса тегишли маъноси (маънолари) билан унга ҳавола этилди.

Сўзлар умуман эмас, балки маъноси, маълум маънолари билан синоним бўлади. Шунга кўра, изоҳли луғатда умуман сўз сўзга эмас, балки сўз маълум маъноси ёки маънолари билан бошқа сўзнинг маъносига ёки маъноларига ҳавола этилади. Луғат мақоласида ана шу нарса ўзининг аниқ ифодасини топиши керак. Бунда:

Агар бир маъноли сўз бошқа бир шундай маъноли сўзга ҳавола этиладиган бўлса, изоҳланган сўзда ҳеч қандай рақам қўйилмайди. Мисол:

ИЗН *қ.* **рухсат**...

Ижозат сўзи ҳам *рухсат* сўзи билан маънодош ва улар орасидаги фарқ жуда сезиларсиз. Лекин *ижозат* сўзи маълум даражада китобийлик хусусиятига эга. Шунинг ўзиёқ унинг қўлланиш доирасини чегаралайди. *Рухсат* сўзида эса бирон жиҳатдан чегараланиш йўқ. Шу туфайли у ўз синонимик қаторида асосий сўз ҳисобланади ва унинг маъноси албатта изоҳланиб, қолган сўзлар (синонимлари) унга ҳавола этилиши мумкин.

Кўп маъноли сўз бирор маъноси ёки бир неча маъноси орқали бошқа сўзга синоним бўлса, шу маъноси билан синонимик қатордаги асосий сўзга ҳавола этилади.

Синонимлар бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланади. Фақат ҳавола этишнинг ўзи билан ана шу фарқларни тўла қайд этиш мумкин бўлавермайди. Демак, сўз маъноси изоҳининг тўғри ва тўлиқлигига путур етказилмайдиган ҳоллардагина изоҳнинг бу усулини (ҳавола этиш йўлини) қўллаш мумкин. Фактларнинг кўрсатишича, икки ҳолатда шундай йўл тутиш мумкин:

Биринчидан, ўзаро синоним сўзнинг бир-биридан фарқи йўқ, деярли йўқ бўлган ҳолларда. Бундай сўзларнинг бири қўлланиши жиҳатидан асосий эканлиги сезилиб туради, лекин бирон-бир услубий белги (кенг маънода) қўйилиши талаб этилмайди ҳам. Ана шу сўзга изоҳ берилиб, синоними унга ҳавола этилади. Мас., *илғор*, *пешқадам* сўзларидан *илғор* сўзига изоҳ берилиб, *пешқадам* сўзи *айн.* белгиси билан унга ҳавола этилади. Бу билан *пешқадам* сўзи ҳам *илғор* сўзи маъносига берилган даражадаги изоҳ билан таъминланади:

ИЛҒОР [изоҳ]...

ПЕШҚАДАМ *айн.* **илғор**...

Иккинчидан, синоним сўзларнинг асосийси изоҳланиб, бошқаси (бошқалари), ўзига хос хусусиятни билдирувчи характеристика билан (характеристикани билдирувчи белгини қўйиб), унга ҳавола этилади. Мисол:

ШОТИ *шв.* Нарвон...

ОРАЗ *поэт.* Юз...

АЛАЛХУСУС *эск. кт.* Айниқса, хусусан...

Демак, бунда, биринчидан, асосий сўзнинг маъносига берилган изоҳ ҳавола этилган сўзнинг маъносига тегишли экани, иккинчидан (услубий белги билан), ҳавола этилаётган сўзнинг ўзига хос хусусияти қайд этилади. Бу билан изоҳнинг мукаммаллиги таъминланади.

Ана шундай имкониятлар бўлмаган тақдирда, маънодош сўзларнинг ҳар бирига (унинг маъносига) изоҳ бериш талаб этилади. Мас., *яхши, дуруст, соз* сўзлари ўзаро синонимлардир. Улар белгининг даражаси нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Бу фарқни бирон белги билан эмас, ўзига хос изоҳ билан бериш мумкин. Мисол:

ЯХШИ 1 Ижобий белги-хусусиятли...

ДУРУСТ Бир оз яхши, ёмон эмас...

СОЗ 1 Жуда яхши...

Ҳавола йўли билан изоҳлашни, асосан, маънодош сўзларда фойдаланилишини кўрдик. Бундан ташқари, яъни сўз маъноси таъриф, тушунтириш орқали изоҳланган ҳолларда, изоҳнинг қўшимча таркибий қисми сифатида, маънодош сўздан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда сўз маъносига берилган изоҳдан сўнг нуқтали вергул (;) қўйиб, маънодош сўз келтирилади. Мисол:

АЙБ 1 Тартиб-қоида, одоб-ахлоқ меъёрларига хилоф иш; гуноҳ...

4 Расоликни бузувчи белги; нуқсон...

Бундай ҳолларда изоҳдан сўнг шу сўзнинг ҳар қандай маънодоши эмас, балки ҳар тарафлама унга яқин бўлган, сўзга берилган изоҳни англашга ёрдам берадиган синоними берилиши керак (келтирилган мисолдаги каби). Бирон белгиси ёки белгилари билан изоҳланган маънодан кескин фарқланувчи сўзни келтиришга ҳожат бўлмайди, ҳатто бундан сақланиш керак. Мас., *юз* сўзининг бир маъносига берилган изоҳдан кейин *бет* сўзини келтириш мумкин, лекин *ораз* сўзини келтириш мумкин эмас.

Алмаштирилган сўз ҳам изоҳдан сўнг (синоним сифатида) келтирилмайди. Мас., *инқилоб* сўзининг маъноси (маънолари)га берилган изоҳдан сўнг *революция* сўзи келтирилмайди.

Феълнинг нисбат шаклларини ишлаш ва изоҳлашда ҳам юқоридагича йўл тутилди, яъни луғатга киритилган нисбат шаклининг қайси нисбат шакли экани кўрсатилди ва қайд этилган луғавий маъноси тегишли рақамдан сўнг изоҳланди. Мисол:

КЎРСАТМОҚ 1 Кўрмоқ фл. орт.н...

2 Намойиш қилмоқ, билдирмоқ. *Ҳақ эканини кўрсатди*...

3 [изоҳ]...

Сўзнинг вариантларидан (*каптар – кабутар, набира – невара, билан – бирлан – бирла* каби) фақат биттаси (асосий ҳисоблангани) изоҳланиб, бошқаси унга ҳавола этилди.

Ажратиб ёзиладиган ясама сўзлар ва турғун бирикмаларнинг қайд этилган маъноси (маънолари) ҳам изоҳ билан таъминланди. Бунда ҳам юқорида қайд этилган йўлларга амал қилинди.

6. Луғат мақоласининг сўнгги компоненти **изоҳланувчи бирлик маъноси изоҳидан кейин бериладиган иллюстратив мисол** (мисоллар)**дир**. Иллюстратив мисол, гарчи ҳар бир маънонинг изоҳидан сўнг берилса-да, лекин у олдинги беш моддада қайд этилганларнинг, яъни изоҳланувчи бирликнинг (жумладан, бош сўзнинг) айтилган талаблар асосида киритилганлигини, унга қўйилган грамматик ва услубий белгиларнинг тўғрилигини, изоҳланувчи бирлик маъноси (маънолари)нинг тўғри, аниқ белгиланганлигини, ниҳоят, ҳар бир маънога берилган изоҳнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун келтирилади. Кўринадики,

иллюстратив мисоллар луғат мақоласида муҳим вазифа бажаради ва унинг қиймати ана шу вазифаларни бажаришга қай даражада муносиблиги билан белгиланади.

Иллюстратив мисол, мисол-цитата юқоридаги талаблар нуқтаи назаридан, эҳтиёж бўлган ҳолларда берилди. Аксинча ҳолларда мисол бериш шарт бўлмайди. Мас., бошқа сўз билан бутунлай алмаштирилган сўзлар учун (маъноси, маънолари қайд этилмаслиги туфайли) уларнинг тилда қўлланганлигини тасдиқлаш учунгина мисол берилди.

Иллюстратив мисолнинг қандай шаклда, яъни сўз бирикмаси ёки гап шаклида бўлиши, шунингдек, унинг маълум манбадан олиниши кераклиги сўзнинг, сўз маъносининг хусусиятига қараб белгиланади. Мас., маънога берилган изоҳ ва бошқа қайдларни шу сўз иштирокида тузилган сўз бирикмаси тасдиқлай олса, шундай мисолни бериш ва шу билан чекланиш мумкин. Мас., *чекмоқ* сўзининг (бир маъноси) изоҳидан сўнг *сигарета чекмоқ, нос чекмоқ* мисолларини, ҳатто улардан бирини келтиришнинг ўзи кифоя. Лекин айрим сўзларнинг маъноси изоҳидан сўнг тегишли манбадан гап шаклидаги мисол келтирилиши талаб этилади. Мас., *турқ, чеҳра* сўзлари учун, *кўтармоқ* феълининг “дош бермоқ, чидамоқ” маъноси учун шундай мисол бериш шарт.

Баъзи сўзлар кенг (кенгроқ) тушунчани билдиради. Биргина мисол бундай сўзлар маъносининг хусусиятини тасдиқлай олмайди. Бинобарин, уларнинг маъноси изоҳидан кейин ана шу изоҳни етарли тасдиқлайдиган мисоллар келтириш керак бўлади (Мас., **анжуман** сўзига тузилган луғат мақоласига қаранг).

Турғун иборалар учун луғат мақоласига мисол беришда ҳам юқорида қайд этилган талаблар асосида иш кўрилди.

Эслатма: 1. Мисол-цитаталар 1956 йилгача амалда бўлган эски имло қоидалари асосида чоп этилган манбадан олинган бўлса, улар ҳозирги (амалдаги) имлога мослаб берилди.

2. Манбалардан келтирилган мисоллар тузувчи томонидан берилган мисоллар ҳамда мақол ва маталлардан тўртбурчак шакли (▬) билан ажратилди.

3. Келтирилган мисол-гаплар ҳаддан ташқари чўзиқлиги ва б. сабабларга кўра қисқартирилган бўлса, бу қисқартириш кетма-кет қўйилган икки нуқта (..) билан белгиланди.

4. Мисол-далил сифатида айрим, кичик шеърлардан келтирилган парчаларда, аксар ҳолларда, шу парча олинган шеърнинг номини эмас, фақат шеър муаллифи (шоир)нинг номини келтириш билангина чекланилди. 10 дан ортиқ марказий газеталардан олинган мисолларнинг манбаи умумий тарзда “Газетадан” сўзи билан берилди.

Луғат ва луғат мақоласининг тузилиши, унинг компонентлари, ҳар бир компонентнинг вазифаси ва б. хусусиятлари ҳақида жуда қисқа тарзда тўхтадик. Буларнинг ҳар бири юзасидан тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, аниқ маълумотлар олиш, қолаверса, луғатнинг ютуқ ва камчиликларига баҳо бериш учун луғатнинг ўзига, ундаги тегишли луғат мақолаларига мурожаат қилиш мумкин.

ЛУҒАТДА ҚЎЛЛАНГАН ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

а. – араб тилига мансуб сўз
авиа. – авиацияга оид термин
ад. – адабиётга, адабиётшуносликка оид термин
айн. – айнан
айр.боғл. – айирувчи боғловчи
айр.юкл. – айирув юкламаси
анат. – анатомияга оид термин
археол. – археологияга оид термин
архит. – архитектурага оид термин
астр. – астрономияга оид термин
африкаанс – африкаанс (бур) тилига мансуб сўз
белг.олм. – белгилаш олмоши
бетклф. – менсимасликни ифодаловчи ёки бетакаллуф муомалада қўлланувчи сўз, ибора
биол. – биологияга оид термин
бирг.н. – биргалик нисбати
бирл. – бирлик сон
б.к. – бош келишик
бнк. – бинокорликка оид термин
бол. – болалар нутқига хос, болалар ишлатадиган сўз
бот. – ботаникага оид термин
боғ. – боғдорчиликка оид термин
боғл. – боғловчи
бркт. боғл. – бириктирувчи боғловчи
буйр.м. – буйруқ майли
бухг. – бухгалтерияга, ҳисоб-китобга оид термин
ва б. – ва бошқа(лар)
ва ш.к. – ва шу каби(лар)
венг. – венгер тилига мансуб сўз
вет. – ветеринарияга оид термин
взф. – (бирор сўз, гап бўлаги) вазифасида
г. – грамм
геогр. – географияга оид термин
геод. – геодезияга оид термин
геол. – геологияга оид термин
геом. – геометрияга оид термин
геофиз. – геофизикага оид термин
гидр. – гидрологияга, гидротехникага оид термин
голл. – голланд тилига мансуб сўз
груз. – грузин тилига мансуб сўз
гум.олм. – гумон олмоши
дағл. – дағал, қўпол сўз, ибора
денг. – денгизчиликка оид термин
дин. – диний сўз, ибора
дип. – дипломатияга оид термин
ёрд.фл. – ёрдамчи феъл
жамл.сон – жамловчи сон
жарг. – жаргон сўз, ибора
ж.к. – жўналиш келишиги
зид. – (бирор сўз, иборанинг) зидди, антоними
зидл.боғл. – зидловчи боғловчи
зоол. – зоологияга оид термин
ингл. – инглиз тилига мансуб сўз
индейс. – индейс тилларига мансуб сўз
исл. – исланд тилига мансуб сўз
исп. – испан тилига мансуб сўз
итал. – итальян тилига мансуб сўз
иқт. – иқтисодиётга оид термин
й. – йил
кам қўлл. – кам қўлланадиган сўз, ибора
камс. – камситишни ифодаловчи сўз, ибора
карт. – карта ўйинига оид сўз, ибора
кг – килограмм
кел.зам. – феълнинг келаси замон шакли
кест. – кесатиқ, киноя англатадиган сўз, ибора
ким. – кимёга оид термин
кино – кинематографияга оид термин
кичр. – кичрайтиш шакли
км – километр
кон. – кончиликка оид термин
крш.с. – кириш сўз
кт. – китобий сўз, ибора
кш.олм. – кишилик олмоши
кул. – кулинарияга, ошпазликка оид термин
куч. – кучайтириш шакли
куч.юкл. – кучайтирув юкламаси

кўм. — кўмакчи
кўм.фл. — кўмакчи феъл
кўпл. — кўплик сон
кўрс.олм. — кўрсатиш олмоши
кўчма — кўчма маънода, кўчма маъноси
л. — литр
л.м. — луғавий маъноси
лот. — лотин тилига мансуб сўз
м. — метр
мавҳ.от — мавҳум от
мажҳ.н. — мажҳул нисбат
малайяча — малайя тилига мансуб сўз
мас. — масалан
мат. — математикага оид термин
махс. — махсус сўз, термин
мг — миллиграмм
метеор. — метеорологияга оид термин
мех. — механикага оид термин
мин. — минералогияга оид термин
миф. — мифологияга оид термин
мл. — молияга оид термин
млн. — миллион
мм — миллиметр
мнт. — мантиққа оид термин
мод.с. — модал сўз
мтр. — метрологияга оид термин
мус. — мусиқага, мусиқашуносликка оид термин
мўғ. — мўғул тилига мансуб сўз
н. — нисбат (феъл нисбати)
назм. — назмда ишлатиладиган сўз, ибора
нафр. — нафрат, жирканиш англатадиган сўз, ибора
нем. — немис тилига мансуб сўз
неол. — неологизм, янги сўз
ов. — овчиликка оид термин
олм. — олмош
опт. — оптикага оид термин
орт.н. — орттирма нисбат
палнт. — палеонтологияга оид термин
пед. — педагогикага оид термин
плгрф. — полиграфияга оид термин
пол. — поляк тилига мансуб сўз
порт. — португал тилига мансуб сўз
поэт. — поэтик сўз, поэзияда, назмда ишлатиладиган сўз, ибора
псхл. — психологияга оид термин
р. — рус тилига мансуб
радио — радиотехникага оид термин
расм. — расмий услубда қўлланадиган сўз, ибора
рвдш. — равишдош
рвш. — равиш
рум. — румин тилига мансуб сўз
с. — сўз
салб. — салбий маънони ифодаловчи сўз, ибора
санск. — санскрит тилига мансуб сўз
сиёс. — сиёсатга, сиёсатшуносликка оид термин
сканд. — скандинав тилларига мансуб сўз
снт. — санъатга оид термин
снқ.сон — саноқ сон
спрт. — спорт ва физкультурага оид термин
с.т. — сўзлашув тилида (оғзаки нутқда) қўлланадиган сўз, ибора
суғд. — суғд тилига мансуб сўз
сфдш. — сифатдош
сфт. — сифат
сўк. — сўкиш ёки койишни ифодалайдиган сўз, ибора
сўр.олм. — сўроқ олмоши
сўр.юкл. — сўроқ юкламаси
т. — туркий, умумтуркий сўз
такр.с. — такрорий сўз
тар. — тарихга оид, тарихий термин
тасв.с. — тасвирий сўз
тат. — татар тилига мансуб сўз
тақл.с. — тақлид сўз
тақс.сон — тақсим сон
театр — театрга оид термин
тех. — техникага оид термин
тиб. — тиббиётга оид термин
тиж. — тижоратга, коммерцияга оид термин
т.й. — темир йўлга оид термин
т.к. — тушум келишига
тлш. — тилшуносликка оид термин
топ. — топографияга оид термин
трнс. — транспортга оид термин
тртб. сон — тартиб сон
турк. — турк тилига мансуб
тўқм. — тўқимачиликка оид термин
укр. — украин тилига мансуб сўз
унд.с. — ундов сўз
ф. — форс ва тожик тилларига мансуб сўз
фарм. — фармацевтикага, фармакологияга оид термин
физ. — физикага оид термин
физиол. — физиологияга оид термин
фин. — фин тилига мансуб сўз
фл. — феъл
флс. — фалсафага оид термин

фольк. – фольклорга оид сўз
фото – фотографияга оид термин
фр. – француз тилига мансуб сўз
хит. – хитой тилига мансуб сўз
х.-қ. – хотин-қизлар нутқига хос, хотин-қизлар нутқида ишлатиладиган сўз, ибора
ч.к. – чиқиш келишиги
ш. – шахс
шахм. – шахматга оид термин
шв. – шевага оид сўз, ибора
ш.к. – шу каби(лар)
эг.олм. – эгалик олмоши
эл. – электрга, электротехникага оид термин
эрг.боғл. – эргаштирувчи боғловчи
эркл. – эркалашни ифодалайдиган сўз, ибора
эск. – эскирган сўз, ибора
этн. – этнографияга оид термин
юкл. – юклама
юн. – юнон (грек) тилига мансуб сўз
юқ.усл. – юқори услуб
яп. – япон тилига мансуб сўз
ўзл.н. – ўзлик нисбати
ўзл.олм. – ўзлик олмоши
ў.-п.к. – ўрин-пайт келишиги
ўтг.зам. – феълнинг ўтган замон шакли
қ. – қаранг
қад.р. – қадимги рус тилига мансуб сўз
қад.яҳ. – қадимги яҳудий тилига мансуб сўз
қарғ. – қарғиш сўзи, ибораси
қ.к. – қаратқич келишиги
қ.х. – қишлоқ хўжалигига оид термин
ғалат. – нотўғри ишлатилган (ёзилган) сўз
ҳазил – ҳазил қилиб айтилган сўз, ибора
ҳарб. – ҳарбий ишга оид сўз, термин
ҳар.н. – ҳаракат номи
ҳақр. – ҳақорат ифодалайдиган сўз, ибора
ҳинд. – ҳинд тилига мансуб сўз
ҳоз.зам. – феълнинг ҳозирги замон шакли
ҳуқ. – ҳуқуққа, ҳуқуқшуносликка оид термин

Иллюстратив мисоллар олинган айрим илмий ва бадиий манбаларнинг луғатда қабул қилинган қисқартмалари:

"ЎзМЭ" – "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 12 жилдли, 1-11-жилдлар. Тошкент, 2000-2005.

"ЎТА" – "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали (1960-96 йиллардаги сонлари).

С. Анорбоев, Оқсой. – С. Анорбоевнинг "Оқсой шалолалари" қиссаси ва "Оқсой" романи.

М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. – М. Жўрабоевнинг "Мулла Бурҳоннинг мартабаси" қиссаси.

М.Исмоилий, Фарғона т.о. – М. Исмоилийнинг "Фарғона тонг отгунча" романи (1–2-китоблар).

"Латифалар" – "Афанди латифалари" тўплами.

Ҳ.Назир, Сув гадоси – оқпадар.. – Ҳ.Назирнинг "Сув гадоси – оқпадар денгизни бошлаб келди" қиссаси.

Ойбек, О.в.шабадалар – Ойбекнинг "Олтин водийдан шабадалар" романи.

"Эртаклар" – "Ўзбек халқ эртаклари" тўплами.

"Қўшиқлар" – "Ўзбек халқ қўшиқлари" тўплами.

ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

Аа	Лл	Чч
Бб	Мм	Шш
Вв	Нн	ъ
Гг	Оо	ь
Дд	Пп	Ээ
Ее	Рр	Юю
Ёё	Сс	Яя
Жж	Тт	Ўў
Зз	Уу	Ққ
Ии	Фф	Ғғ
Йй	Хх	Ҳҳ
Кк	Цц	



А

А *юкл.* (турли даражадаги талаффуз билан) Тааджубли, эътирозли ва ш.к. мазмундаги сўроқни билдиради: Нима? Нима дединг? Нима дедингиз? *Ўн тўрт сўм берасиз. -А, ўн тўрт сўм?* Ойбек, Танланган асарлар. *Рафиқ, найни ким чалди? — Йўлчи акам. — А! Ростданми? Алдама!* Ойбек, Танланган асарлар. *Қанақа ўйин? — Қимор, — секин жавоб берди Қамбар. — А, меҳмонлари қиморбозга сира ўхшамайди-ку.* Ойбек, Танланган асарлар.

АБАД [*а.* ابد — доимийлик] *эск. кт.* **1** Сўнги йўқ келгуси замон; *зид.* ***азал.***

2 *рвш.* Абадий суратда, доимо. *Икки нарса бир-бирига абад йўлдошдир, Бири тиғдор аёз бўлса, бири қуёшдир.* Ё. Мирзо.

То абад Абадий суратда, ҳамиша, умрбод. *Кўкрагимда яшнар то абад Ҳаёт тақиб қўйган гулдаста.* Уйғун.

АБАДИЙ Вақт эътибори билан охири йўқ; мангу, доимий. *Абадий ҳаёт. Абадий хотира.* ▬ *Шаҳарларнинг номи абадий, Бу номларни қўйган эл-улус.* М. Шайхзода.

АБАДИЙЛАШМОҚ Абадий мавжудликка эга бўлмоқ; мангулик касб этмоқ. *Хотираси абадийлашди.*

АБАДИЙЛАШТИРМОҚ Абадий унутилмайдиган, йўқолмайдиган қилмоқ; авлодларга мангу қолдирмоқ. *Олимнинг номини абадийлаштирмоқ.*

АБАДИЙЛИК Мангулик, доимийлик. *Материянинг абадийлик қонуни.*

АБАДИЯ: **саодати абадия** *эск. кт.* Абадий бахтлилик, мангу бахт-саодат. *Бу байроқ машъал бўлиб, саодати абадия йўлини ёритди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

АБАДИЯН *рвш. кт. кам қўлл.* Абадий суратда. *Султонмурод у қизнинг абадиян қўлдан кетганлигига ишонади.* Ойбек, Навоий.

АБАДИЯТ [*а.* ابديّت — мангулик, сўнгсизлик] *кт. кам қўлл.* Абадийлик, мангулик. *Нур сочилган, гул очилган баҳор тунида Абадият қўшиғига солардим қулоқ.* Уйғун.

АБАДУЛАБАД [*а.* ابدالابد — абадларнинг абади] Абадий суратда, бутун ҳаёт давомида, доимо. *Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг* [*Имом ал-Бухорийнинг*] *муборак номи абадулабад инсоният хотирасидан ўчмагай.* Газетадан.

АБАЖУР [*фр.* abat-jour — ёруғликни қайтарувчи] Керакли ёруғликни бир жойга тўплаб тушириш ёки кўзни ёруғлик нуридан пана қилиш учун лампа устига ўрнатиладиган, шиша, мато, металл ва ш.к. дан ясалган қалпоқ. *Чинни абажур. Шойи абажур. Шифтда абажур осиғлиқ.* ▬ *Абажурдан таралган кўкиш нур унинг юзида товланарди.* С. Зуннунова, Янги директор.

АБАЖУРЛИ Абажур ўрнатилган. *Абажурли электр чироғи хонага ёғду сочиб, чарақлаб турарди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

АБАС [*а.* ابث — беҳуда, фойдасиз] *эск. кт.* Фойдасиз, беҳуда, натижасиз, бекор. *Бевафодир бу жаҳон, суду зиён барча абас.* Нодира. *Бас, энди у шеър ёзишни йиғиштиради. Барчаси абас экан.* С. Сиёев, Аваз.

АББАТ [*лот.* abbas, abbatis] **1** Эркаклар католик монастирининг бошлиғи.

2 Францияда: католиклар руҳонийси.

АББОСИЙЛАР *тар.* Бағдодда 132—656 ҳижрий ёки 750—1258 милодий йилларда ҳукмронлик қилган араб халифалари сулоласи ва унинг вакиллари.

АББРЕВИАТУРА [*итал.* abbreviatura < *лот.* abbrevio – қисқартираман] *тлш. айн.* **қисқартма сўзлар**. *Драмтўгарак* (*драма тўгараги*). *ДАН* (*Давлат автомобиль назорати*), *ХДП* (*Халқ-демократик партияси*) каби.

АБГОР [*ф.* افگار – яраланган, мажруҳ; толиққан] Ночор ҳолатли, аҳволи хароб. *Умарқул абгор бир аҳволда ўрнидан туриб, хуржунини очди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Жуда тирикчилигинг ўтмай, абгор бўлиб қолдингми?* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

АБГОРЛИК Абгор ҳолат, ночор аҳвол. *Бойлар ва руҳонийлар қувватлаб келган бу хурофий урф-одатлар кўп косиб ва деҳқонларнинг.. абгорлик билан ҳаёт кечиришларига сабаб бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

АБДОЛ [*а.* ابدال – авлиё(лар)] *эск. кт.* Валийликнинг белгили бир даражасига эришган гуруҳ; авлиёлар, худога яқинлар.

АБДОЛВАШ *эск. кт.* Авлиё табиатли, қаландарсифат. *Муслимий.. абдолваш йигит эрди.* А. Навоий, Мажолисун-нафоис.

АБЕРРАЦИОН Аберрацияга оид. *Аберрацион ҳодиса.*

АБЕРРАЦИЯ [*лот.* aberratio – ўзгариш, узоқлашиш, четланиш] **1** *биол.* Маълум бир навга мансуб ҳайвонлар организмида (унинг тузилиши ёки функциясида) пайдо бўладиган ўзгалик, ўзгариш, нормадан четлашиш.

2 *физ.* Ёруғлик нурларининг линза орқали ўтишида линза фокусидан оғиши, четга чиқиш ҳодисаси.

Сферик аберрация Нурларнинг фокусдан оғиши натижасида тасвир четларининг хиралашиб, чаплашиб тушиши. **Хроматик аберрация** Қуёш ва ш.к. лар нурининг линзадан ўтиб, таркибий рангларга ажралиши, товланиши.

3 *астр.* Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиши натижасида Ер билан бирга ҳаракат қилаётган кузатувчига юлдузларнинг асл ўрнидан бир оз силжиганга ўхшаб кўриниши.

АБЁТ [*а.* ابيات – байтлар] *эск.* **1** Байт, байтлар. *Абётиға назми оташолуд.* А. Навоий.

2 Умуман, шеър, шеърлар. *Ким билсин, эҳтимол, Мавлоно унинг таъби назмини, машқ йўсин абётини муборакбод этармиди.* Х. Султон, Бобурийнома.

АБЖАД [*а.* ابجد] **1** Қадимги араб алифбоси таркибидаги ҳарфлардан тузилган ва ҳар қайси ҳарфнинг бирдан минггача сон қийматини ҳамда қадимий араб алифбоси тартибини эсда сақлаш учун ўйлаб топилган саккизта сўздан (*абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, сахаз, зазағ*) биринчисининг ва шу саккиз сўз мажмуининг номи.

Абжад ҳисоби *ёки* **ҳисоби абжад** Араб ҳарфларининг абжад тизимидаги сон қийматига мувофиқ бирор сўз ёки ибoрадан маълум бир сон, саноқ, тарих чиқариш.

2 Эски усулдаги мактабларда ўқитилган бошланғич таълим алифбоси. *Ҳамма нарса болалар учун янги, қизиқ эди, чунки улар абжаддан, ҳафтиякдан бўлак китоб кўрмаган эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

АБЖАДХОН Эски усулдаги мактабда эндигина таълим ола бошлаган, абжад ўқувчи бола. *қ.* **абжад 2**.

АБЖАДХОНЛИК Абжад ўқиш, абжад ўрганиш. *Буни менга отам абжадхонлик вақтимда ўргатган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

АБЖАҚ: **абжақ бўлмоқ** *ёки* **абжағи чиқмоқ** *кам. қўлл.* 1) пачоқланиб, эзилиб, путурдан кетмоқ. *Абжағи чиққан машина. Аварияга учраган машиналар абжағи чиқиб ётибди.* Сўзлашувдан. 2) калтак ёки бошқа нарса зарбидан эзилиб ҳолдан кетмоқ, абжақ ҳолга келмоқ. **Абжағини чиқармоқ** *ёки* **абжақ қилмоқ** 1) қаттиқ жароҳатламоқ. *Фашистни ур, абжағини чиқар..* Ойбек, Қуёш қораймас; 2) урилиб, эзилиб, яроқсиз ҳолга келмоқ (келтирилмоқ).

АБЖАҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Абжақ қилмоқ, абжағини чиқармоқ, дабдала қилмоқ.

АБЖИР Оёқ-қўли тез, тез ҳаракат қила оладиган; эпчил, чаққон. *Абжир бола.* ▬ *Йўлчибой.. барвасталигига қарамасдан абжиргина йигит.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отамдан ёши катта бўлса ҳам, лекин ўзи абжир, ғўлабир киши эди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

АБЖИРЛИК Эпчил ҳаракат; чаққонлик. *От мункиб кетганда, эгарнинг устидан думбалоқ ошиб тушган паранжисиз қиз ўйноқи каптардай абжирлик билан ўзини ўнғариб олди-да, жувонга ёрдам бергани шошилди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

АБЖЎШ *шв.* **1** *айн.* **обжўш**.

2 *айн.* **абжўши.** *Оёғин тош урмасин деб, Абжўшдан нағал қоқилган.* Э. Жуманбулбул, Хушкелди.

АБЖЎШИ *шв. сфт.* Сув бериб ишланган (темир, пўлат кабилар ҳақида). *..ўйна-*

тиб шу тулпор отти, абжўши пўлат нағаллар тоғнинг тошин ёнғоқ этди. Ислом шоир, Зулфизар билан Авазхон.

АБЗАЛ [*ф.* ابزار *ёки* افزار – асбоб, иш қуроли] От-уловни миниш ёки аравага қўшиш учун зарур бўладиган асбоблар мажмуи. *-Мана буларни ямаб қўй, – деб жаҳл билан олдимга узилган-юлинган бир тўда қайиш, жазлиқ, юган – от абзалларини бир бигиз ва бир нечта тикиш билан улоқтирди.* F. Fулом, Тирилган мурда. *Ёзи отнинг абзалларини елкасига кўтариб, йилқилар орасидан бўз отни ахтариб кетди.* "Ёзи билан Зебо".

АБЗАЛЛАМОҚ Отга эгар-жабдуқ, юган ва ш.к. урмоқ. *Ёрнинг ишқи мани бунда бўзлатти, Абзаллаб минарман бу қора отти.* "Муродхон".

АБЗАЦ [*нем.* Absatz < absetzen – янги сатрдан бошлаш] **1** Матн (текст)нинг дастлабки қаторини бир оз ўрин (уч ҳарф ўрни) қолдириб бошлаш; хатбоши, сатрбоши. *Янги абзацдан ёзмоқ.*

2 Матннинг бир хатбошидан кейинги хатбошигача бўлган қисми. *Уч абзацни ўқимоқ. Бир абзац ташлаб ёзмоқ.*

АБИРА *кт. айн.* **эвара.**

АБИТУРИЕНТ [*лот.* abituriens, abiturientis – кетмоқчи бўлган киши] **1** Ўрта мактабни битираётган ўқувчи.

2 Олий ёки ўрта махсус ўқув юртига кириш учун даъвогар. *Имтиҳонларни бошлашдан аввал қуръа ташланади. Билетларни олиш учун абитуриентлардан тўрт киши чақирилади.* Газетадан.

АБЛАҚ [*а.* ابلق – ола-була, оқ-қора] Чипор, чавкар (от туси ҳақида).

АБЛАҲ [*а.* ابله – тентак, беақл, нодон] **1** Хулқ-атвори тубан, ярамас ахлоқли. *Аблаҳ одам.* ▬ *Мендақа бефаҳм-бефаросат аблаҳларни аяш – гуноҳ! Фельетон қилинг, фельетон!* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

2 Шу белги-хусусиятга асосланган ҳақоратни билдиради. *Ие, аблаҳ, бошқа гап қуриб қолдими.* Ойбек, Танланган асарлар.

АБЛАҲЛИК Ярамас хатти-ҳаракат, аблаҳга хос қилиқ. *Бош вазир жаноблари, бу кўрнамак билан қадрдон дўст эдик, бундай аблаҳлик қилишига сира кўзим етмас эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

АБЛАҲОНА Аблаҳга хос, аблаҳники каби. *Лекин Гуландом билан сўзлашган сари у баъзи қўпол ҳаракатлардан, аблаҳона қилиқлардан ўзини тийишга тириша бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

АБО [*а.* عبا – чопонга ўхшаш жун кийим] *тар.* Авраси жун ёки бошқа матодан тикилган узун, кенг, лекин енги калта эркаклар уст кийими. *Шайбонийхон бошига қизил бўрк устидан салла ўраган, кўк мовутдан або кийган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

АБОЛИЦИЯ [*лот.* abolitio – бекор қилиш] Қонун ёки қарорнинг бекор қилиниши.

АБОНЕМЕНТ [*фр.* abonnement] Бирор нарсадан (мас. телефон, театрдаги ўрин, автотранспорт ва ш.к. дан) маълум муддатга фойдаланиш ҳуқуқи ва шу ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат. *Кутубхоналараро абонемент. Абонемент ҳақи. Абонемент олмоқ.*

АБОНЕНТ [*фр.* abonner – ёзилмоқ, обуна бўлмоқ] Абонементга эга бўлган шахс ёки ташкилот.

АБОРИГЕН Аборигенларга мансуб.

АБОРИГЕНЛАР [*лот.* aborigine – аввалдан, бошидан] **1** Мамлакат ёки бирор жойда қадимдан яшаб келаётган тубжой аҳоли; тубжойликлар. *Австралия аборигенлари.*

2 Ўсимлик ёки ҳайвонларнинг қадимдан бир жойга мансуб (маҳаллий, жайдари) турлари, зотлари. *Абориген ғўза.*

АБОРТ [*лот.* abortus – бола ташлаш, муддатидан олдин туғилиш] Ҳомиланинг ҳаётга лаёқатсиз даврида, яъни дастлабки 28 ҳафта мобайнида тушиши ёки туширилиши (олдирилиши).

Сунъий аборт Аёлнинг истагига кўра ёки касаллиги сабабли ҳомилани олдириш. **Fайриихтиёрий (табиий) аборт** Ҳомиланинг турли сабабларга кўра (мас., касаллик туфайли) тушиши.

АБОРТИВ 1 *тиб.* Оғриқни, касалликни бирдан тўхтатадиган, қолдирадиган. *Абортив даволаш. Абортив дори-дармонлар.*

2 *биол.* Ўсмай, ривожланмай қолган; мажмағил, чала. *Ўсимликларнинг абортив органлари.*

АБР [*ф.* ابر – булут] **1** *эск. кт. айн.* **булут 1**. *Абр ичига беркиниб, мотамсаро бўлсин қуёш.* Э. Воҳидов.

Абри найсон Баҳорги серёмғир булут. **Абри навбаҳор** Эрта баҳорнинг ёмғирли булути. **Чун абри навбаҳор** Худди эрта баҳор булутидек. *Зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб.* F. Fулом. **Абри бало** Бало, офат булути.

Аёллар хонадонлари узра ёпирилиб келаётган абри балони эрларидан аввалроқ сезадилар. Т. Малик, Шайтанат.

2 Тўқимачилик, меъморлик, кулолликда учрайдиган, тархи булутсимон амалий безак тури.

АБРАЗИВ [*лот.* abrasio – силлиқлаш, тарашлаш, қириш] Абразивларга оид. *Абразив асбоблар.*

АБРАЗИВЛАР Металл, сопол, ойна, ёғоч ва ш.к. нинг юзини силлиқлаш, жилолаш, пардозлаш, шунингдек, асбобларни чархлаш учун ишлатиладиган майда донадор ўта қаттиқ моддалар.

АБРАШ *эск.* Чавкар, холдор от. *Абрашини елдуруб етгач йиқилдим, дўстлар.* Бобур.

АБРБАНД [*ф.* ابر + بند – боғ, боғлам, тугун] **1** Атлас, шойи тандасига махсус усулда гул (нақш) солиш. *Эски абрбандчи усталар абрбанд техникасини жуда қадим замонларданоқ билганлар.* "Фан ва турмуш".

2 *айн.* **абрбандчи.**

АБРБАНДИ Атлас, шойи танда ипларига гул (нақш) солиш усули.

АБРБАНДЧИ Абрбанд ишловчи. *Абрбандчи рассом ингичка чўпни қоракуя аралаштирилган сувда намлаб, у безакнинг ярмини туширади.* "Фан ва турмуш".

АБРИШИМ [*ф.* ابریشم – ипак] **1** *эск. айн.* **ипак.**

2 Ипак газлама, шойи; шу газламадан тикилган кийим. *Унинг эгнида.. ранг-баранг порлаган қизил абришим тўн.* Ойбек, Навоий.

АБРЎ [*ф.* ابرو] *эск. поэт.* Қош.

АБРЎКАМОН [*ф.* ابروکمان – қоши камон] *эск. поэт.* Қайрилма қош, қошлари камон сингари қайрилган. *Абрўкамон қиз.* ▬ *Қулбачча ва чўрилар орасида абрўкамон, мўрчамиён, пистадаҳан.. сарвиравонлари жуда кўп.* С. Айний, Қуллар.

АБСЕНТЕИЗМ [*лот.* absens, absentis – йўқ бўлган, ҳозир бўлмаган] Сайловчиларнинг давлат органларига бўладиган сайловга қатнашишдан оммавий равишда бош тортиши.

АБСОЛЮТ [*лот.* absolutus – чегараланмаган, шак-шубҳасиз] *айн.* **мутлақ.**

АБСОЛЮТИЗМ Мутлақ, чегараланмаган яккаҳокимлик.

АБСОРБЦИЯ [*лот.* absorbtio – ютиш, ютилиш, шимилиш, сингиш]. *физ., ким.* Эритма ёки газлар аралашмасидаги моддаларнинг қаттиқ жисм ёки суюқликка ютилиши; ёруғликнинг модда орқали ўтаётганда ютилиши. *Газ абсорбцияси. Ёруғлик абсорбцияси. Товуш абсорбцияси. Газ абсорбцияси.*

АБСТРАКТ *айн.* **мавҳум.**

АБСТРАКЦИОНИЗМ [*лот.* abstractio – мавҳумлик, узоқлашиш] 20-аср тасвирий санъатида, ҳайкалтарошлик ва графикасида ўта формалистик оқим бўлиб, унинг тарафдорлари объектив воқеликни мавҳум геометрик шакллар, пала-партиш чизиқлар, нуқталар бирикмаси (боғланмаси) сифатида тасвирлайдилар.

АБСТРАКЦИОНИСТ Абстракционизм намояндаси.

АБСТРАКЦИЯ [*лот.* abstractio – мавҳумлик, номаълумлик] **1** Билишда нарса, ҳодисаларнинг муҳим ва муайян белги ва қонуниятларини ажратиш, бўрттириб кўрсатиш мақсадида уларнинг жузъий, иккинчи даражали томонлари ёки боғланишларидан хаёлан узоқлашиб фикр юритиш.

2 Абстракциялаш йўли билан ҳосил қилинган мавҳум тушунча, назарий умумлаштирма, назарий хулоса.

АБСЦЕСС [*лот.* abscessus – йирингли яра, чипқон] *тиб.* Тўқима ёки аъзоларнинг шикастланган жойида йиринг тўпланиши; йиринг йиққан, газак олган жой.

АБУ [*а.* ابو – "ота" сўзининг изофа ҳолатидаги шакли] Арабларда ва бошқа баъзи мусулмон халқларда куняларнинг таркибий қисми бўлиб, "отаси" деган маънони билдиради. *Абу Абдуллоҳ, Абу Райҳон.*

АБХАЗ 1 Абхазия мамлакатига мансуб туб халқнинг (миллатнинг) номи.

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Абхаз йигити. Абхаз тили.*

АБХАЗЛАР Абхазиянинг асосий (туб) аҳолиси, абхаз халқи.

АВАЙЛАМОҚ Озор, зарар ва завол таъсиридан эҳтиёт қилмоқ. *Нега ўз жонимизни авайлаймиз-у, милицияни дуч келган ишга балогардон қиламиз.* Газетадан. *Сен кўчат экдинг, авайлаб мевасин бунёд қил.* Воқиф.

АВАНГАРД [*фр.* avant-garde – олдиндаги қўриқчи] **1** Ҳарбий юришларда асосий кучларни қўриқлаш учун олдинда борувчи аскарий қисм.

2 Бирор халқ, синф ёки ижтимоий гуруҳнинг илғор қисми.

АВАНГАРДИЗМ **[***фр.* avant-gardisme – илғорлик**]** 20-аср санъат ва адабиётида реалистик бўлмаган (ҳатто реалистик оқимга зид) оқимларнинг умумий номи. Унинг тарафдорлари адабиёт ва санъатнинг аввалдан мавжуд анъаналарини тан олмай, уни тубдан янгилашни, унинг тасвирий ва шаклий имкониятларини кенгайтиришни мақсад қилиб қўйиган, шунга кўра, ҳатто реализмни ҳам рад этганлар.

АВАНПОСТ [*фр.* avant-poste] Қўшиндан илгарироққа, душманга яқин қўйилган соқчилар ва улар эгаллаб турган жой.

АВАНС [*фр.* avance] Бир жисмоний ёки юридик шахс томонидан бошқасига келгусида тўланадиган ҳақ ҳисобидан олдиндан бериладиган пул миқдори. *Аванс бермоқ.*

АВАНТЮРА [*фр.* aventure – қалтис ҳаракат; саргузашт] Тасодифий муваффақиятга эришиш учун реал куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмай, таваккалига қилинган хатти-ҳаракат.

АВАНТЮРИЗМ Осонгина муваффақиятга эришиш, фойда олишни кўзлаб, таваккалчилик билан қилинган иш, хатти-ҳаракат; авантюрага мойиллик. *Сиёсий авантюризм.*

АВАНТЮРИСТ Авантюризмга, авантюрага мойил одам.

АВАНТЮРИСТИК Авантюрага, авантюризмга асосланган, авантюристларга хос бўлган.

АВАР 1 Доғистоннинг ғарбий, Озарбайжоннинг шимоли-ғарбий ҳудудларида яшовчи халқнинг номи.

2 Авар халқига тегишли. *Авар тили. Авар аёли.*

АВАРА *шв.* Эвара.

АВАРИЯ [*итал.* avaria] **1** Машина, самолёт ва ш.к. нинг ишлаб турган вақтида тўсатдан бузилиши, ишдан чиқиши. *Авария сигнали.*

2 Бахтсиз ҳодиса, фалокат. *Автомобиль аварияси. Аварияга учрамоқ.*

Авария бригадаси Аварияниг олдини олиш ёки оқибатларини тугатиш учун тузилган бригада.

АВАРИЯЧИ (асосан кўпл. шаклида – **аварiячилар**) Аварияниг олдини олиш ёки унинг оқибатларини тугатиш, тузатиш ишларини бажарувчи шахс. *Аварiячиларнинг бокулик бригадаси.. мисли кўрилмаган мардлик кўрсатди.* Ч. Айтматов, Дўстлик трассаси.

АВАРЛАР Доғистонда ва Озарбайжоннинг шимоли-ғарбий қисмида яшовчи ерлик халқ; авар халқи.

АВАХТА [*нем.* Hauptwache] *эск. с. т.* Қамоқ уйи, қамаш жойи: қамоқхона, турма. *Оқ пошшонинг авахтаси ҳам кўп, Сибири ҳам кенг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Авахта бўлмоқ Қамоққа олинмоқ. *Акам яна авахта бўлгандан кейин ҳалиги элликбоши мени ҳам "ўлди"га чиқариб, хотинга совчи устига совчи қўяверипти..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Авахта қилмоқ** Қамоққа олмоқ, қамамоқ.

АВАҒА 1 *айн.* **чевара**.

2 *с.т.* Узоқ қариндош, чатишган қариндош.

Авағамнинг авағаси, умуртқамнинг шўрваси Жуда узоқ, чатишган қариндош ҳақида.

АВБОШ [*ф.* اوباش – безори, бадкирдор, саёқ] *эск.* Безори, бевош. *Шаҳарнинг машҳур авбошларидан бир тўпи, бир-бирлари билан баслашгандай, косаларни пайдарпай сипқаришади.* Ойбек, Навоий.

АВВАЛ [*а.* اوّل – бошланиш; биринчи] **1** *от кам қўлл.* (асосан 1-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида) Бош(и), бошланиш(и). *зид.* **охир**. *Ишнинг аввали ва охири.* ▬ *Хуллас, бугун ёшлигимни эслашим ва гапнинг аввалини шундан бошлашимнинг сабаби бошқа.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Мулоҳазаларимиз аввалида видеофильм ҳақидаги айрим фикрлар, баҳоларни муштарийга етказмоқчи бўлдик.* Газетадан.

Аввал-охир Бир умр; бутунлай, батамом. *Ҳеч ким баробар келмас энди, улларим (ўғилларим), Мен биламан, аввал-охир сизларга.* "Эрали ва Шерали". *Бунча жозиб, бунча соҳир, Якто бўлдинг, Кўҳинор? Соҳибингга аввал-охир Бало бўлдинг, Кўҳинор.* Э. Воҳидов.

2 *рвш.* Ўтган вақтлар(да), ҳозирга қадар; илгари. *зид.* **ҳозир**. *Тирикчилигимиз аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу кенг хонага Ғуломжон авваллари ҳам кўп келган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3. Биринчи навбатда, биринчи бўлиб; дастлаб. *Аввал қариялар дастурхонга таклиф этилди. Аввал таом, баъдаз калом.* Мақол. ▬ *Аввал тўнғич ботир пойловчилик қилибди.* "Чалпак ёққан кун".

4 Бошланишда; бошда. *Аввал ҳеч нарса сезилмади, бир оз ўтгач, оғриқ тура бошлади.*

5 *кўм. взф.* Бирор воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бораётган вақтдан олдин бўлганлигини билдиради. *Учрашувимиздан аввал. Бундан тўрт йил аввал.* ▬ *Мана сўнгги хотира: икки ярим йил аввал меҳрибон она уни шаҳарга узатади.* Ойбек, Танланган асарлар.

АВВАЛАМБОР *крш. с. взф.* Аввали шуки, аввало. -*Аввалaмбор, — деди зардаси қайнай бошлаб Холмирза, — менинг бригадамда сизбоп иш йўқ.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

АВВАЛАН [*а.* اَوَّلاً] *рвш. айн.* **аввало**.

АВВАЛБОШИ Биринчи навбатда; аввало. *Аввалбоши ўзимизнинг колхозчиларга тушунтиришимиз керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АВВАЛГИ Вақт эътибори билан бошқасидан олдин, илгари бўлган; илгариги, олдинги. *Аввалги хат. Аввалги ваъда. Урушдан аввалги йиллар.* ▬ *Йўлчи тилсиз каби ғайришуурий равишда бошини чайқади ва аввалги вазиятда қотди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Аввалги кун (*ёки* **аввал куни**) Кечадан олдинги кун, ўтган куни. *Аввалги кун улардан бирига калла солганман, беш йилга қаматиб юбормоқчи бўлишувди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

АВВАЛГИДАЙ,**-дек** *рвш.* Аввал ёки аввалги қандай бўлса, шундай; илгаригидай, боягидай. *Бу ерда ҳеч ўзгариш йўқ, ҳамма нарса аввалгидай.* ▬ *Лектор четга қараб, аввалгидай паст товуш билан: -Эшикни ёпинг, — деди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

АВВАЛГИЧА *айн.* **аввалгидай.** *Ота-боболан қолган чордевор.. сомонсувоқ қилинган эски томда ҳаёт яна аввалгича.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

АВВАЛИ 1 *айн.* **аввал 1.**

2 *рвш.* Бошда, аввал бошда. *У аввали севинди, кейин ўйланиб қолди.*

3 *крш. с. взф.* Биринчидан. *Аввали, бу бойўғли эмас, ҳаққуш, қўрқма.* А. Қаҳҳор, Мастон.

Аввали шуки Биринчидан, аввалaмбор. *Аввали шуки, ухлаганим йўқ, ундан кейин..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АВВАЛИГА *айн.* **аввал 4**. Бошда. *Аввалига ширин эрмак бўлган бу гаплар, бола 5-6 ёшга борганда, катталарни ўнғайсиз ҳолга солиб қўядиган бўлиб қолди.* Газетадан. *Аввалига таксичи бунга эътибор бергани йўқ.* Газетадан.

АВВАЛО 1 *рвш.* Энг аввал, даставвал, дастлаб, биринчи галда. -*Тақсир,— деди Олахўжа махсум отдай пишқириб, — агар бу киши болаларни ўқитмоққа келган бўлса, аввало унинг ўзини ўқитмоқ лозим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *крш. с. взф.* Аввали шуки, биринчидан. -*Аввало, менинг уйим йўқ. Ундан кейин мени муборакбод қилиб турган танишларим ҳам йўқ, — деди Анвар қўл силтаб.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АВГУСТ [*лот.* augustus — олий, муқаддас, улуғ; Рим императорининг номи] Янгича йил ҳисобида саккизинчи ой.

АВЖ [*а.* اوج — юксалиш нуқтаси, юқори нуқта, чўққи] **1** Ривож олиш, ўсиш (ўсимлик, дарахт кабиларга нисбатан). *Биринчи қадамда, биринчи бўлиб, Экилган чигитнинг авжини кўрсам, Битта туп ғўзанинг мавжини кўрсам.* Ё. Мирзо.

Авж олмоқ 1) ўсмоқ, ўсиб ривожланмоқ. *Кўчат яхши авж олмаяпти. Ҳаво исиши билан экинлар авж ола бошлади.* ▬ *Қўшимча ўғитланган ғўзалар сувдан чиққач, жуда авж олиб кетди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла; 2) ривож топмоқ; юксалмоқ, кучаймоқ. *Фонд бозори шаклланиб, қимматли қоғозлар савдоси авж оляпти.* Газетадан. *Давлати халқига, халқи давлатига қайишган мамлакатлардагина тараққиёт авж олади.* Газетадан. *Инсоният қонунларсиз яшолмайди. Акс ҳолда, унинг ҳуқуқи поймол бўлади, адолатсизлик авж олади.* Газетадан.

2 Энг юқори(си). *Муборак Ўзбекистон, осмон авжида парвозинг, Муборак сенга истиқлол, баландроқ янграсин созинг.* Воқиф. *Бу роман ижодининг авж нуқтасини ташкил қилувчи асар бўлмоғи керак эди.* Газетадан.

Авжига чиқмоқ (*ёки* **авжига минмоқ**) Юқори даражасига кўтарилмоқ, кучаймоқ. *Ўйин-кулги, хурсандчилик авжига чиқяпти.* ▬ *Мамлакатда порахўрлик кучайди, хонбеклар зулми авжига минди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *мус.* Куй ёки қўшиқдаги энг юқори нота. *Қизлар айтса қўшиқни авжни талашиб, Маставага қатиқдай гапга тиқилар.* Ғ. Ғулом. *Бу қўшиқ гоҳо авж пардаларда, гоҳо пастроқ оҳангларда жаранглаб туради.* Газетадан.

АВЖИ 1 Авж с. 1-ш., бирл. эгалик шакли. *Куйнинг авжи.*

2 *рвш.* Худди, нақ. *Авжи пишиқчилик вақти.* ▬ *Авжи кетиш пайти, бир оздан кейин тонг отади.* Ойбек, Танланган асарлар.

АВЖИДА *рвш. (кесим взф.)* Авжига чиққан, авж олган; қизғин. *Қурилишда иш авжида.* ▬ *Тайёргарлик ишлари авжида.* Газетадан. *..бир-бирини соғинган ўқувчиларнинг қий-чуви авжида.* Газетадан.

АВЖЛАНМОҚ 1 Авж олмоқ, ривожланмоқ. *Экинлар авжланмаяпти.*

2 Авжига чиқмоқ, кучаймоқ. *Шунда булбул нағмаси, қизларимиз ялласи, йигитларнинг ғурури айниқса авжланади.* Ғ. Ғулом.

АВЗО [*а.* اوضاع – ҳол, ҳолат, равиш, юриш-туриш] 3-*ш.бирл.* **авзойи** (асосан инсон ва ҳавога нисбатан) **1** Юз кўринишининг муайян ифодаси. *Аёл йигитнинг авзойидан ёмон ниятли киши эмаслигини пайқади.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув. *Баратов Саодатхоннинг авзойига қаради-ю, гапини ютди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Руҳий (ички) ҳолат; кўриниш. *Шарофат.. кечқурун Канизак келганда яна заҳарга тўлиб ўтирган эди, бироқ уни чўчитмаслик, ғафлатга солиб туриб, бирдан қўлга тушириш учун авзойини сира билдирмасликка ҳаракат қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Авзойи бузуқ Кайфияти, кўриниши ёмон, ёмон томонга ўзгарган. *Аёл ҳайрон бўлиб, унга қаради. Толиб аканинг авзойи бузуқ эди.* Ф.Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳавонинг авзойи бузуқ. Осмон тўла қоп-қора булут..* Т. Ашуров, Марварид тут.

АВИА- [*лот.* avis – қуш] Ўзлашма қўшма сўзлар таркибида "авиация" сўзи ўрнида, шу сўзга алоқадор маъноларда қўлланади: *авиабаза* (авиация базаси), *авиаразведка* (авиация разведкаси), *авиапочта* (авиация почтаси) ва б.

АВИАКОМПАНИЯ Авиалинияларга ёки самолёт ишлаб чиқарувчи корхоналарга эга бўлган бирлашма. *"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси.*

АВИАКОМПАС [авиа.. + компас] Учиш аппаратларида ишлатиладиган навигация асбоби.

АВИАЛИНИЯ [авиа.. + линия] *қ.* **ҳаво, ҳаво йўллари**.

АВИАМОДЕЛЧИ Авиамоделчилик билан шуғулланувчи шахс.

АВИАМОДЕЛЧИЛИК Техника ва спорт мақсадларида учиш аппаратлари моделларини лойиҳалаш ва ясаб учириш.

АВИАМОДЕЛЬ [авиа.. + модель] Учиш аппаратининг қўлда учириш учун ясалган модели, нусхаси.

АВИАНОСЕЦ [авиа.. + *р.* носец < носитель – олиб, кўтариб борувчи] Сув усти жанговар кемаси – сузувчи авиация базаси.

АВИАПОЧТА [авиа.. + почта] Почта юклари самолётда ташиладиган алоқа тармоғи.

АВИАСАЛОН [авиа.. + салон] Ҳавода учиш аппаратлари (самолёт, вертолёт ва ш.к.)нинг янги моделлари намойиш этиладиган ва сотиладиган махсус кўргазма. *Халқаро авиасалон.*

АВИАТОР [*фр.* aviateur] Авиация ва умуман учиш ишлари билан шуғулланувчи шахс; учувчи.

АВИАТРАССА [авиа.. + трасса] Фуқаро ҳаво флотининг самолёт ва вертолётлари мунтазам равишда қатнайдиган ҳаво йўли.

АВИАЦИЯ [*фр.* aviation < *лот.* avis – қуш] **1** Ҳаводан оғир аппаратларда фазода учиш назарияси ва амалиёти. *Авиация техникаси.*

2 Учиш аппаратларининг мажмуи; ҳаво флоти. *Фуқаро авиацияси. Ҳарбий авиация.*

АВИЗО [*итал.* avviso < *лот.* avis – қуш**]** Банк, тижорат амалиётида ҳисоб-китоб муомалаларининг бажарилганлиги тўғрисида бир аҳдлашувчи томоннинг иккинчисига юборадиган расмий хабарномаси.

АВИТАМИНОЗЛАР [*юн.* а – инкор қўшимчаси + витамин] *тиб.* Организмда витаминлар етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар. *Организмда витаминлар етарли бўлмаса, турли авитаминоз касалликлар юзага чиқади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

АВЛИЁ [*а.* اولیا – валилар] **1** *дин.* Валилар, эътиқодли, диндор кишилар; азиз, муқаддас, оллоҳга яқин кишилар; руҳонийлар. *Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг Бухорода авлиё сифатида шуҳрат топишида бир воқеа сабаб бўлган экан.* Газетадан.

2 *с.т.* Каромат, башорат қила оладиган, мўъжизалар кўрсата оладиган одам. *Мен шундай авлиёманки, агар тош ёки дарахтни чақирсам, олдимга дарров келади.* "Латифалар". *Тантибойвачча олазарак бўлиб, елкасини қисди ва ерга қараб деди: -Биз авлиёмизми? Қаерда эканини айтиш жуда мушкул.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *с.т. кест.* Улуғ, зўр фаҳмланувчи одам ёки нарса. *Нима, звено бўлиб, авлиё бўпти-*

ми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Хотин киши эса ожиза, авлиёси ҳам ҳасаддан холи эмас.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 *с. т.* Ҳеч нарса билан иши йўқ, дарвешсифат, дарвешнамо одам. *Юрагингда Ўринбой отанинг ўгити бор-да. Даданг пок одам. Қишлоқнинг авлиёси у. Ишонаман.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ғор оғзида, баланд ясси тош устида, Яланғоч авлиё — ориқ бир кекса одам гулхан ёқиб ўтирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

АВЛИЁНАМО [*а.+ф.* اولیانما] Авлиёга ўхшаш. *қ.* **авлиё 4**.

АВЛИЁУЛЛОҲ [*а.* اولیاالله] Худога яқин кишилар.

АВЛО [*а.* اولی — энг яхши, энг муносиб] *эск. кт.* Нисбатан афзал, яхши. *Улар учун минг мулланинг сўзидан ёвжонлик Шокирғуломнинг бир оғиз.. сўзи минг марта авлороқ.* С. Айний, Қуллар.

АВЛОД [*а.* اولاد — ўғиллар, болалар, насл] **1** Ота-бободан қолган насл (аждодга нисбатан). *Биз эски қулларнинг авлодимиз.. ота-боболаримиз озод бўлган чоғларда ўзлари учун қурган чайладек уйларда тирикчилик қиламиз.* С. Айний, Қуллар. *Аждодлар бўлмагай авлодсиз, Авлодлар зийнати аждодлар.* Б. Бойқобилов.

2 Ота-бобо ва унинг насли; сулола; зот. *Темур авлоди* (темурийлар). *Бобур авлоди* (бобурийлар). ▬ *Девонбегилар авлодига мансуб бўлган Шерназарбой Исломхўжани ич-ичидан ёмон кўрар, азалдан адовати бор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Фисқ-фужур уяси бўлган бу оила ҳаммани қораласа ҳам, ўз авлоди бўлган ана шу катта бойга асло тил тегизмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Замоннинг маълум қисмига мансуб одамлар; бўғин. *Кекса авлод. Ўрта авлод. Ёш авлод. Келгуси авлод.* ▬ *Ўйлайманки, мана шундай обод ва озод юртни кўрганда, нафақат катта ёшдаги кишилар, балки ёш авлод ҳам янги куч-қувват олади, ғурурланади.* Газетадан.

4 *кўчма* Замонавий электрон-ҳисоблаш машиналарининг ва б. техник жиҳозларнинг янгиланган, такомиллашган туркуми. *Бу аппарат компьютерларнинг тўртинчи авлодига мансуб.*

АВЛОҚ *қ.* **овлоқ.**

АВОМ [*а.* عوام — умум, омма] **1 О**ддий халқ, "қора халқ" (ўтмишда). *Авом шоиримизни ҳурмат қилади, шоиримиз ҳам авом тилини яхши биладилар.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Ўқимаган, тушунмаган, хат-саводсиз киши(лар). *Улки устозликда танҳо, мен эдим хатсиз, авом.* С. Зуннунова.

АВОҚ *с.т. айн.* **авахта**. *Э, кечагина авоқдан чиқиб келган одамни яна нима қилмоқчисизлар?* П. Турсун, Ўқитувчи.

АВРА [*ф.* اوره < ابره] Кийим, кўрпа, кўрпача каби нарсаларнинг ташқи, сиртқи қавати. *Тўннинг авраси.* ▬ *Тўшак аврага олти метр қизил духоба олиб бермасангиз, уят бўлади.* "Муштум".

Авра тўн Астарсиз тўн. **Авра камзул** Астарсиз камзул. *Унсун хола.. авра камзулини бошига ёпинди-да.. далага йўл олди.* А. Ҳайитметов, Унсун хола.

2 Ёстиқнинг сиртқи жилди.

АВРА-АСТАР [*ф.* استر - اوره] Авра ва астар. *Авра-астари бутун кўрпа.*

Авра-астар чопон Авра билан астардангина иборат (яъни пахтасиз) чопон, тўн. *..эгнида авра-астар чопон, бошида беўхшовроқ ўралган чалма.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Авра-астарини ағдармоқ** (*ёки* **қоқмоқ, сўкмоқ**) Бутун кирдикорларини очиб ташламоқ. *Шошмай тур, авра-астарингни ағдариб ташламасам.. отимни бошқа қўяман.* "Таниш башаралар".

АВРАБАНД *с.т.* **1** *айн.* **абрбанд**. *Намозшомгул атласга тўққиз хил ранг ишлатиладиган бўлса, ипак ўримлари аврабанд цехидан бўёқ цехига тўққиз марта бориб келади.* С. Анорбоев, Майда тароқ.

2 *айн.* **абрбандчи**.

АВРАМОҚ 1 Айтганига (мақсадига) юргизиш, кўндириш учун ёлғон-яшиқ гаплар қилмоқ, усталик билан алдаб-сулдамоқ. *Баққол бу сўзларни эшитмагандай аврайверди: -Мен сизнинг фойдангизни ўйлайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с. т.* Гипноз қилмоқ (илон ҳақида). *Илон заҳарли тилини чиқариб туриб, сеҳрли кўзи билан учар қушларни аврайди.* "Қаҳрамонлар".

АВРАТ [*а.* عورت — жинсий аъзолар, таналинг уятли жойлари] **1** *биол., тиб.* Жинсий аъзолар (эркак ва аёлларда). *Ўрнимдан турсам, уятли жойларим очилади, сўнгра сенинг раисинг "авратингни очиб, хилофи шаръ ишлading" деб, мени бир кам қирқ дарра уради.* С. Айний, Қуллар.

2 *дин.* Тананинг, шариатга мувофиқ, бекитиб юрилиши талаб қилинадиган, уятли жойлари.

АВРАТПЎШ [*а.+ф.* عورتپوش – авратни беркитувчи] Авратни бекитиб турадиган нарса, кийим, лунги.

АВРАҒИЧ *айн.* **аврокчи.** *Энди реакциянинг авраҒич воизлари мусулмонлар бирлиги тўғрисида кўкракларига уриб, дарё-дарё сўз қуядилар..* Ойбек, Нур қидириб.

АВРОД [*а.* اوراد – дуолар] Бомдод, тонг намозидан сўнг ўқиладиган дуо, оят; кўп такрорланадиган, ўқиб юриладиган оятлар, дуолар. *Истарамким, эй пари, ҳар эрта аврод ўрниға Исми аъзамдек отинг пайваста такрор айласам.* Фурқат.

АВРОДЧИ Аврод ўқувчи. *Бу ерда тонг азонда авродчи сўфиларнинг қичқириб ғулдирайдиган ҳар хил дуолари кишини уйқудан безовта қилмас эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

АВРОН *айн.* **тошқин**. *Илгари бу жой саккиз ариқнинг бош лабгардони эди. Аврон келган вақтларда сувни ариқларга тақсимлаш катта можаролар билан ўтарди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

АВРОҚ Авраш гаплари, хатти-ҳаракати. *-Мен хомкалла, домланинг авроғига учиб, розилик билдирибман, – деди чол.* А. Муҳиддин. Ёдгорликнинг тўйи.

АВРОҚЧИ Алдоқчи, йўлдан оздирувчи. *Унинг қора йўлини давом эттирган бошқа эшонлар, сўфилар, ҳар хил авроқчилар, товламачиларни фош этаман.* Ойбек, О. в. шабадалар.

АВСАТ [*а.* اوسط – ўрта, ўртача] *эск. кт.* Ўрта, ўртача, ўрта даражадаги. *Мадраса талабалари "аъло", "авсат" ва "адно" номи билан уч гуруҳга бўлинган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

АВТАРКИЯ [*юн.* autarkeia – ўз-ўзини қондириш] Ўз-ўзини таъминлаш қоидасига асосланган, бошқалар билан иқтисодий алоқалардан узилиб қолган биқиқ хўжалик тизими ва шунга асосланган иқтисодий сиёсат.

АВТО *с.т. кам қўлл. айн.* **автомобиль**. *Паркка кетди трамвайлар, автолар..* М. Шайхзода.

АВТО- [*юн.* autos – ўзи, ўзим] Ўзлашма сўзлар таркибида қуйидаги маъноларни билдиради: 1) ўз қўли билан. *Автобиография*; 2) ўзи ҳаракатланадиган, автоматик. *Автопилот. Автоюклагич*; 3) автомобилга оид. *Автовокзал. Автокорхона.*

АВТОБАЗА [авто.. + база] Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш учун ташкил этилган транспорт корхонаси, шунингдек, автомобиллар турадиган ва ремонт қилинадиган жой.

АВТОБИОГРАФИК Муаллиф таржимаи ҳоли билан боғланган; автобиографияга асосланган. *Автобиографик асар.*

АВТОБИОГРАФИЯ [авто.. + биография] Бирор шахснинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли.

АВТОБЛОКИРОВКА Машина ва аппаратлар ҳаракатини ҳамда технологик жараёнларни бошқаришда хатоликларнинг олдини оладиган ёки бартараф этадиган автоматик асбоблар мажмуи. Мас., поездлар қатновини тартибга солиб турадиган автоматик сигнализация тизими.

АВТОБУС [авто(мобиль) – *лот.* omnibus – ҳамма учун] Йўловчилар ташийдиган кўп ўринли катта автомобиль. *Ўттиз ўринли автобус. Автобус қатнови. Автобус парки.* ▬ *У охирги автобусга қандоқ илинганини, қишлоққа қандоқ етиб келганини ўзи ҳам билмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

АВТОВОКЗАЛ [авто.. + вокзал] Шаҳарлараро автобуслар қатнови йўлларининг охирги ва оралиқ нуқталарида йўловчиларга хизмат кўрсатадиган иншоотлар мажмуи. *Янги автовокзалда йўловчилар учун барча қулайликлар мавжуд.*

АВТОГЕН [*юн.* autogenos – ўз-ўзидан, мустақил ривожланувчи] Газ алангасида эритиб пайвандлашга оид. *Автоген усулида пайвандлаш.*

АВТОГРАФ [авто.. + *юн.* grapho – ёзаман] **1** Асарнинг муаллиф қўли билан ёзилган нусхаси, асл қўлёзма. *Мазкур девонни унинг Наманган нусхасига таққослаб текшириш натижасида девоннинг.. автографлигига ишонч ҳосил қилдик.* "ЎТА".

2 Ўз қўли билан ёзилган ёзув ва имзо; дастхат (кўпинча хотира учун).

АВТОДРОМ [авто.. + *юн.* dromos – югуриш йўли] Автомобилларни синовдан ўтказиш ва уларнинг тезкор мусобақаларини ташкил этишга мўлжалланган майдон.

АВТОДЎКОН Қишлоқ жойларда, бозорларда асосан озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилиш учун жиҳозланган (мосланган) автомобиль.

АВТОЗАВОД [авто.. + завод]: **автомобиль заводи** Автомобиль ва унинг қисмларини ишлаб чиқарадиган завод.

АВТОИНСПЕКЦИЯ *айн.* **автоназорат**.

АВТОКАР [авто.. + *ингл.* car – аравача] Ички ёнув двигателли (резина ғилдиракли) ўзиюрар аравача (вокзалларда, корхоналар ҳовлисида, цехларида юк ташиш учун ишлатилади).

АВТОКАЧКА [авто.. + *р.* качка – силкиниш, чайқалиш] Тўғинларига резина қопланган тўрт ғилдиракли арава. *Бобоқул ота Қайнардан қайтишда Тўламат мўйловнинг пичан ортилган автокачкасига минишга мажбур бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

АВТОКЛАВ [*фр.* autoclave < авто.. + *лот.* clavis – калит] Нарсаларни юқори босимда қиздириш учун ишлатиладиган, жипс ёпиладиган идиш (турли физик-кимёвий жараёнларни амалга ошириш, тиббий асбоблар ва ҳоказоларни стериллаш ва ш.к. учун ишлатилади).

АВТОКОЛОННА [авто.. + колонна] **1** Автомобиллар колоннаси, кетма-кет тизилиб келаётган автомобиллар қатори.

2 Автомобиль базаларининг филиали, бир неча автомобили бўлган бўлими.

АВТОКОРХОНА Аҳолига автомобиллар билан хизмат қилувчи корхона.

АВТОКРАН [авто.. + кран] Автомобилга ўрнатилган кўтарма кран.

АВТОЛ [< авто (мобиль) + *лот.* ol(eum)– ёғ] Автомобиль, трактор ва бошқа машиналарни мойлаш учун ишлатиладиган, нефтдан олинадиган маҳсулот.

АВТОЛАВКА *қ.* **автодўкон**. *Бозорга кираверишда автолавка турган экан.. Яраш полвон яқинлаб, бўйнини чўзиб қаради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

АВТОМАГИСТРАЛЬ [авто.. + *лот.* magistralus – бош, асосий**]** Тез ҳаракатланадиган кўп сонли автотранспортга мўлжалланган, қарама-қарши ҳаракат қаторлари ўртасига чегара қўйилган, бошқа йўллар билан бевосита кесишмайдиган узун ва кенг йўл.

АВТОМАТ [*юн.* automatos – ўзи ҳаракатланувчи] **1** Муайян жараёнлар бўйича белгиланган ишни ички механизми ёрдамида инсоннинг бевосита иштирокисиз ўзи бажарадиган аппарат, машина, асбоб. *Токарлик автомати. Сув сотадиган автомат.*

2 Тезотар автоматик қурол. *Булар* [*пиёда аскарлар*] *ҳаммаси ҳам милтиқ ва автоматларни тайёр тутган ҳолда рўйирост бостириб келмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *сфт. айн.* **автоматик 1**. *Автомат суғоргич. Автомат қурол.*

АВТОМАТИЗМ Ғайриихтиёрий равишда, автоматик суратда ҳаракат қилиш (кўникма ва одатлар асосида).

АВТОМАТИК 1 Автомат тарзида ишлайдиган; ўз-ўзидан ишлайдиган. *Автоматик тормоз. Автоматик телефон станцияси.*

2 Ғайриихтиёрий, ихтиёрсиз, беихтиёр. *Автоматик ҳаракат.*

АВТОМАТИКА 1 Фан ва техниканинг ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш методлари ва воситаларини яратиш ва такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари билан шуғулланувчи тармоғи. *Автоматика, телемеханика, радиотехника, электроника саноат ишлаб чиқаришида тобора кенг қўлланмоқда.* Газетадан.

2 Автоматик равишда ишлайдиган механизмлар, асбоблар мажмуи. *Космик аппаратларнинг бир-бирини қидириб топиши, ўзаро яқинлашиши, бир-бири билан туташиши борт автоматикаси ёрдамида бажарилди.* Газетадан.

АВТОМАТЛАШМОҚ Автомат асбоблар, машиналар билан қуролланмоқ, автоматика усулларига кўчмоқ. *Автоматлашган ишлаб чиқариш.*

АВТОМАТЛАШТИРМОҚ Иш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматик асбоблар, машиналар асосига ўтказмоқ. *Таржима ва сўзлик яратиш жараёнларини автоматлаштириш жуда қулай ва бу катта иқтисодий самара беради.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

АВТОМАТ-СПРАВОЧНИК Автомат усулида ишлайдиган ва бирор соҳа бўйича қисқача маълумот берадиган қурилма. *Тошкент вокзалининг кутиш залларида махсус автомат-справочник қурилмалар ўрнатилган.* “Фан ва турмуш”.

АВТОМАТ-ТЕЛЕФОН Автомат усулида ишлайдиган телефон қурилмаси. *Автомат-телефон будкаларидан тағин атир иси келадиган бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

АВТОМАТЧИ 1 Автомат билан қуролланган, автомат билан жанг қилувчи жангчи. *Бектемир танклар панасида югургилаб*

келаётган душман автоматчиларини кўрди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Автомат машина, аппарат ёки дастгоҳда ишловчи шахс.

АВТОМАШИНА *айн.* **автомобиль**. *Гулчеҳра кўчага чиқиб, кутиб турган енгил автомашинага тушди.* Р. Файзий, Уч қиз.

АВТОМОБИЛСОЗ (асосан кўпл. шаклида – **автомобилсозлар**) Автомобилсозлик мутахассиси. *Республика автомобилсозлари.*

АВТОМОБИЛСОЗЛИК Автомобиль ишлаб чиқариш ва саноатнинг шу соҳага оид тармоғи. *Автомобилсозлик заводи. Автомобилсозликни ривожлантириш.* ▬ *Ўзбекистоннинг истиқболи самолётсозлик ва республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати, радиоэлектроника, электроника соҳаларининг ривожланишига боғлиқдир.* Газетадан.

АВТОМОБИЛЬ [авто.. + *лот.* mobilis – қўзғалувчи, ҳаракатланувчи] Ички ёниш двигатели ёрдамида ҳаракатланадиган, йўловчилар ёки юкларни ташишга мўлжалланган, ғилдиракли, рельссиз транспорт воситаси. *Енгил автомобиль. Юк автомобили. Автомобиль транспорти. Автомобиль заводи.* ▬ *Қиём пайтида.. қўнғиз нусха бир автомобиль келиб тўхтади.* А. Қаҳҳор, Картина.

АВТОНАЗОРАТ Автомобиль назорати; автомобилларнинг, умуман, автотранспортнинг ҳаракати, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиниши, машиналарнинг ҳолати устидан назорат. *Давлат автомобиль назорати (ДАН).*

АВТОНОМ Автономиядан фойдаланадиган, автономия ҳуқуқига эга бўлган; автономияли. *Автоном вилоят. Автоном республика.*

АВТОНОМИЯ [авто.. + *юн.* nomos – қонун] *қ.* **мухторият**.

АВТОНОМИЯЛИ *айн.* **автоном**.

АВТОНОМИЯЧИ Автономия тарафдори.

АВТОПАРК [авто.. + парк] Автомобиллар турадиган ва таъмирланадиган жой.

АВТОПИЛОТ [авто.. + *фр.* pilote – учувчи] Учиш аппаратларини автоматик равишда бошқарадиган қурилма.

АВТОПОИЛКА *айн.* **автосуғоргич**. *Сигирлар сув ичадиган автопоилкалар Муроднинг ақлини ўғирлаб қўйди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

АВТОПОЙГА Автомобиль пойгаси, автомобилда ўтказиладиган пойга.

АВТОПОРТРЕТ [авто.. + *фр.* portreit – тасвир] Рассом ёки ҳайкалтарошнинг ўз қўли билан ишлаган ўз тасвири, портрети.

АВТОПРИЦЕП Автомобилга тиркаладиган бир ёки бир неча ўқли арава, автотиркама.

АВТОР *айн.* **муаллиф**. *Мана шу тадбирларнинг авторларидан бири.. келаётир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

АВТОРАЛЛИ [авто.. + *ингл.* rally – йиғин] Автомобиль спорти бўйича кўп кунли мусобақалар.

АВТОРЕМОНТ Автомобиллар таъмирига оид, автомобиллар таъмири билан шуғулланадиган. *Авторемонт ишхонаси. Тошкент авторемонт заводи.*

АВТОРЕФЕРАТ [авто.. + реферат] Илмий асарнинг ўз муаллифи томонидан ёзилган қисқача баёни. *Диссертация автореферати.*

АВТОРИТАР [*фр.* avtoritaire – ҳукмини ўтказадиган < *лот.* auctoritas – ҳокимият, таъсир**]** **1** Ҳокимиятга, обрў-эътибор (нуфуз)ли шахсга сўзсиз бўйсунишга асосланган. *Авторитар тузум.*

2 Ўз ҳукмини, ҳукмронлигини ўтказишга интилувчи.

АВТОРИТАРИЗМ Антидемократик, яккаҳокимлик хусусиятларига эга бўлган давлат тузуми. Шахсий диктатура ҳам унинг кўринишларидан ҳисобланади.

АВТОРЛИК *айн.* **муаллифлик.**

АВТОРУЧКА [авто.. + *р.* ручка – қўл; қўлда] Перосига сиёҳ ўз-ўзидан келиб турадиган ручка.

АВТОСАЛОН [авто.. + салон] Автомобилларнинг янги моделлари намойиш этиладиган ва сотиладиган кўргазма ёки унинг бир бўлими.

АВТОСАРОЙ *айн.* **автопарк**. *..Қишлоғимиздаги автосаройда шофёр бўлиб ишлай бошладим.* Газетадан.

АВТОСТАНЦИЯ [авто.. + станция] Автомобиль станцияси; автомобиллар тўхтаб ўтадиган, йўловчиларга хизмат кўрсатиладиган жой.

АВТОСТОП [авто.. + *ингл.* stop – тўхташ] *т. й.* Йўл берклигини билдирувчи сигналга яқинлашиб келган поездни автоматик суратда тўхтатадиган мослама.

АВТОСТРАДА [*итал.* autostrada < авто.. + *итал.* strada – кўча] Автомобиллар қатнови учун махсус қурилган ва ускуналанган катта йўл, автомагистраль. *Тошкент-Мирзачўл йўлининг Тошкент-Чиноз участкасида.. биринчи автострада қурилиши бошлаб юборилди.* Газетадан.

АВТОСУҒОРГИЧ Чорва моллари ва паррандаларни суғориш учун мўлжалланган автоматик қурилма.

АВТОТРАНСПОРТ [авто.. + транспорт] Автомобиль транспорти. *Вагон тегса, йўл бўш эмас, йўл бўшаса, станция банд, қолаверса, автотранспорт етишмасди.* И. Раҳим. Тинимсиз шаҳар.

АВТОУЙ Қурилиш ва ш.к. ишлар давомида яшаш учун ўрнатиладиган вагон, автобус кўринишли кўчма уй. *Хиёл сўнгги сўзларни дилида такрорлаб улгурмасиданоқ автоуйлардаги чироқлар чарақлаб ёнди.* И. Раҳим. Тақдир.

АГАР [*ф.* اگر] *юкл.* Шарт эргаш гапларнинг бошида келиб, *-са, -са ҳам, -ганда* ва ш. к. шарт аффикслари ёрдамида ифодаланган маънони кучайтиради, таъкидлайди. *Агар у келган бўлса, ўзини билдирган бўлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар шу колхозлар ҳам бош қўшадиган бўлса, дамба йигирма-йигирма беш кунлик иш.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Агар унинг* [*қутидорнинг*] *ёнида уста Олим бўлмаганда эди, эҳтимол, у қай вақтларгача серрайиб қолар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АГАРДА *айн.* **агар.**

АГГЛЮТИНАТИВ *тлш.* Агглютинацияга асосланган. *Агглютинатив тиллар. Ўзбек тили – агглютинатив тил.*

АГГЛЮТИНАЦИЯ [*лот.* agglutinatio – ёпиштириш] **1** *биол.* Суюқлик ичида муаллақ сузиб юрадиган заррачаларнинг, мас., қизил ва оқ қон таначалари, микроблар ва ш.к. нинг бир-бирига ёпишиб, қумоқ-қумоқ бўлиб чўкиши.

2 *тлш.* Сўз ясалиш ёки шакл (форма) ясалиш асосини ўзгартмаган ҳолда унга стандарт аффиксларни қўшиш орқали сўз ёки шакл ясалиши. Агглютинацияда ҳар бир аффикс фақат бир грамматик маънога эга бўлади. Мас., *теримчиларимизга* сўзидаги ҳар бир қўшимча (*-им*, *-чи*, *-лар*, -(*и*)*миз*, *-га*) ўзига хос маъно ва вазифага эгадир.

АГЕНТ [*лот.* agens, agentis – ҳаракатдаги; иш юритувчи] **1** Ташкилот, муассаса ва ш.к. нинг маълум вазифаларни бажариш учун тайинланган вакили. *Таъминот агенти. Молия агенти.*

2 Бировлар томонидан қўйилган, бировларнинг манфаатлари учун махфий хизмат қиладиган шахс. *Халқаро терроризм агентлари.*

3 Бирор давлат разведкасининг махфий ходими; жосус, айғоқчи. *Лекин ғоят эҳтиётлик билан ишлар, чунки агентлар ва.. сўз овловчилар қишлоқларда оз эмас.* Ойбек, Нур қидириб.

АГЕНТЛИК I Агент фаолияти, иши; жосуслик; айғоқчилик.

АГЕНТЛИК II Бирор идора, муассаса ёки корхонанинг жойлардаги (маҳаллий) бўлими, шунингдек, ахборот йиғиш ва тарқатиш, воситачилик қилиш вазифасидаги баъзи муассасалар номи. *Телеграф агентлиги. Молия агентлиги. Ахборот агентлиги.* ▬ *Телевидение ходимлари, ахборот агентликлари бир-бирлари билан яхши алоқа боғлаганлар.* Газетадан. *..тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, суғурта агентликлари, турли жамғармалар билан ҳамкорликда ишлаши уларнинг вакиллари иштирокида семинар ўтказиш зарурлигини тақозо этмоқда.* Газетадан.

АГЕНТУРА Махфий маълумотлар тўплаш ва қўпорувчилик ишлари олиб бориш мақсадида ташкил этилган разведка хизмати. *Агентура маълумотлари.*

АГИТАТОР *айн.* **ташвиқотчи.**

АГИТАЦИОН *айн.* **ташвиқий.**

АГИТАЦИЯ [*лот.* agitatio – ҳаракатга келтириш, қўзғатиш] *қ.* **ташвиқот**.

АГЛОМЕРАЦИЯ [*лот.* agglomerare – тўпламоқ, қўшмоқ, бирлаштирмоқ] Бирор нарса, мас., ташкилот, корхона ва ш.к. ни бирлаштириш, қўшиш; кўплаб шаҳар ва аҳоли масканларининг ягона шаҳар сифатида қўшилиб кетиши.

АГНОЗИЯ [*юн.* а – инкор қўшимчаси + gnosis – билим, билиш] *тиб.* Бош мия пўстининг зарарланиши натижасида фаҳмлаш, тушуниш жараёнининг бузилиши; сезги аъзолари билан нарсаларни идрок қила билмаслик.

АГНО́СТИК 1 Агностицизм тарафдори.

АГНОСТИ́К 2 Агностицизмга асосланган.

АГНОСТИЦИЗМ [*юн.* agnostos – билиб бўлмас] Борлиқни, нарса-ҳодисалар ва улар-

нинг моҳиятини билиш мумкинлигини қисман ёки бутунлай инкор этувчи назария.

АГОНИЯ [*юн.* agonia – кураш; олишиш] *тиб.* Ўлим олдидан бир қатор физиологик жараёнлар билан кечадиган ҳолат; ўлим талвасаси.

АГРАР [*лот.* agrarius – ерга, далага оид] **1** Ер-сув, ерга эгалик ва ер-сувдан фойдаланишга оид. *Аграр масала. Аграр ислоҳот.* ▬ *Шунинг учун ҳам ҳозирда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат қилувчиларни саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш аграр сиёсатимизнинг ғоят муҳим йўналишидир.* Газетадан.

2 Саноатига нисбатан қишлоқ хўжалиги кўпроқ ривожланган. *Аграр мамлакат.* ▬ *Вилоятимизнинг илгари аграр воҳа сифатида машҳур бўлгани сир эмас.* Газетадан.

АГРЕГАТ [*лот.* aggregatus – бирлаштирилган, қўшилган] **1** Умумий бир ишни бажариш учун бир неча ҳар турли машинадан тузилган мураккаб машина. *Ер текислайдиган агрегатлар.* ▬ *Даладаги агрегатлар сурони тинган, одамлар уй-уйларига қайтар..* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Бир машинанинг маълум ишни бажарувчи яхлит, мустақил механизми. *Трактор юрмай қолгач, бирор агрегати ишдан чиққанлигини сезиб, Абдусаттор трактор остига шўнғиди.* "Ўзбекистон қўриқлари".

3 Муайян тоғ жинсини ташкил этувчи минераллар йиғиндиси. *Литосферада кўп жойни эгаллаган бир ёки бир неча минераллар агрегатидан иборат бўлган табиий жинсларга тоғ жинслари дейилади.* М. Баҳодиров. Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

АГРЕМАН [*фр.* agreer – маъқулламоқ] Бир мамлакат томонидан ўзининг дипломатик вакили сифатида таклиф этилган шахсни қабул қилиш ҳақида иккинчи бир мамлакатнинг олдиндан розилик билдириши.

АГРЕССИВ 1 Агрессия сиёсатини қўлловчи, тажовузкор, босқинчи. *Агрессив давлатлар.*

2 Агрессиядан, босқинчиликдан иборат бўлган, тажовузкорликка асосланган. *Агрессив сиёсат. Агрессив ҳаракатлар.* ▬ *У ҳам узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агрессив-миллатчилик ғояларининг бутун жафоларини тортиб келди.* Газетадан.

АГРЕССИВЛИК Агрессив хатти-ҳаракат.

АГРЕССИЯ [*лот.* agressio – ҳужум] Бир давлат (давлатлар гуруҳи) томонидан бошқа давлатнинг ёки халқнинг (миллатнинг) суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши БМТ Уставига кўра ғайриқонуний ҳисобланган ҳар қандай куч ишлатиш; тажовуз.

АГРЕССИЯЧИ *айн.* **агрессор.**

АГРЕССИЯЧИЛИК *айн.* **агрессорлик.**

АГРЕССОР Агрессия сиёсатини юргизувчи; тажовузкор, босқинчи. *Агрессорларни жиловламоқ.* ▬ *Давлатимизнинг мудофаа қудрати ҳар қандай агрессорнинг хуружини ўша ондаёқ парчалаб ташлаш имкониятини беради.* Ф. Норхўжаев, Тинчлик посбонлари.

АГРЕССОРЛИК Агрессив ҳаракат, тажовузкорлик, босқинчилик. *Агрессорлик сиёсати.*

АГРО- [*юн.* agros – дала; қишлоқ] Ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, "агрономия", "деҳқончилик" маъноларини ифодалайди. *Агротехника. Агробиология.*

АГРОБИОЛОГИК Агробиологияга оид. *Агробиологик тадқиқотлар.*

АГРОБИОЛОГИЯ [агро.. + биология] Ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётининг биологик қонуниятларини ўрганадиган фан.

АГРОКИМЁ, агрономик кимё Ўсимликларни озиқлантириш, юқори, барқарор ҳосил олиш мақсадида уларни ўғитлаш, кимёвий воситалар ёрдамида зараркунандалардан сақлаш ва ш. к. кимёвий жараёнлар тўғрисидаги фан.

АГРОМЕЛИОРАЦИЯ [агро.. + мелиорация] Ҳосилдорликни ошириш мақсадида ернинг табиий шароитларини тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. *Бунинг учун.. алмашлаб экиш, ерга сифатли ишлов бериш, ўғитлаш, шўрни ювиш, эрозияга қарши кураш каби агротехника ва агромелиорация тадбирларини.. ўз вақтида амалга ошириш керак.* "Фан ва турмуш".

АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ [агро.. + метеорология] Иқлим ва об-ҳаво каби метеорологик шароитларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши объектлари ва жараёнларига таъсирини ўрганадиган фан.

АГРОНОМ Агрономия мутахассиси. *Бош агроном.* ▬ *..қишлоқ хўжалиги бошқармасида Баракаев деган агроном бор. Оёқ-қўли чаққон.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

АГРОНОМИК Агрономияга оид, агрономияга боғлиқ бўлган. *Агрономик тадбирлар.*

АГРОНОМИЯ [агро.. + *юн.* nomos – қонун; одат] Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, унинг қонун-қоидалари ҳақидаги фан; қишлоқ хўжалик ва деҳқончиликка доир назарий ва амалий билимлар мажмуи. *1982 йилда Андижон пахтачилик институтининг агрономия факультетини тамомлаган.* Газетадан.

АГРОНОМЛИК Агроном касби. *Агрономлик қилмоқ. Агрономликка ўқимоқ.*

АГРОСАНОАТ Қишлоқ хўжалик саноати. Қишлоқ хўжалигининг хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоғи ва унга мансуб корхоналар. *Агросаноат мажмуини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш.*

АГРОТЕХНИК Агротехника мутахассиси.

АГРОТЕХНИ́К Агротехникага оид. *Агротехник тадбирлар.*

АГРОТЕХНИКА [агро.. + техника] Қишлоқ хўжалик экинларини экишдан тортиб, то ҳосилни йиғиб-териб олгунга қадар бажариладиган ишлар мажмуи ва уларни амалга ошириш техникаси, деҳқончилик технологияси. *Пахтакорлар ғўзани илғор агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, механизацияга янада кенг йўл очдилар.* Газетадан.

АГРОФИЗИКА, агрономик физика Ўсимликларнинг ташқи ҳаёт шароитларини тадқиқ этишнинг физикавий усуллари, улар ҳаёт фаолиятининг физикавий жараёнлари ҳақидаги фан.

АДА *шв. айн.* **ота 1.** *Ада, қоғоз, қалам бергин деб, Гоҳ ёнимга келиб ўлтирар.* С. Жўра.

Адаси 1) **Ада** с. I-ш. бирл. шакли. *Акбарнинг адаси*; 2) хотинлар ўз эрига мурожаат қилганда, унинг исми ўрнида ишлатадиган сўз.

АДАБ [*а.* ادب – адабиёт; яхши тарбия, маъқул ҳаракат] Ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги яхши ахлоқ, тарбия, хушмуомалалик. *Адаб бозорда сотилмас.* Мақол. *Адаб доирасидан чиқмаслик.* ▬ *Киши қадрин оширмоқ боиси аввал адаб дерлар.* Воқиф.

Адабини бермоқ Ножўя хатти-ҳаракатлар учун гап-сўз, калтак ва ш.к. билан жазо бермоқ; таъзирини бермоқ. *Жўрахон отган ўқдан ўндан ортиқ фашист қулаб, бошқалари орқага чекинди. – Адабини бердик.* Назармат. **Адабини емоқ** Азобини тортмоқ (қилмишига жавобан). *..енгилроқ жерси пальтода чиққан экан, подъездга кириб олгунча роса адабини еди.* Д. Нурий, Осмон устуни. **Адаб сақламоқ** Ўзини ахлоқ, одоб доирасида тутмоқ. *Ёшлар "янги фикр", "эски фикр" деган гапларни йиғиштириб.. уламолар олдида адаб сақлашлари керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

АДАБИЁТ [*а.* ادبيّات] **1** Бир халқнинг, даврнинг бадиий, илмий, фалсафий ва бошқа асарлари мажмуи. *XX аср ўзбек бадиий адабиёти. Жаҳон адабиёти.*

2 Санъатнинг сўз, тил воситасида бадиий образлар яратувчи тури; бадиий адабиёт. *Адабиёт назарияси.* ▬ *Адабиёт ҳамиша ҳақиқат ва адолат байроғини баланд тутиб яшамоғи лозим.* Газетадан.

3 Муайян бир фан ёки соҳага, масалага оид асарлар, китоблар. *Сиёсий адабиёт. Техника адабиёти. Мавзу юзасидан тавсия этилган адабиёт рўйхати.*

АДАБИЁТЧИ 1 Бадиий адабиёт, адабиёт фани мутахассиси, ўқитувчиси. *Кундан-кун очилиб бораётган ҳарбий таълим уфқига Элмурод адабиётчи-педагог, Дубенко иқтисодчи нуқтаи назаридан қарагандек, Йўлдош энергетик-инженер сифатида яқинлашарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *айн.* **адабиётшунос.** *Тилчи ва адабиётчи олимлар биринчи тадқиқотларини шу ерда бошлаганлар.* "Фан ва турмуш".

АДАБИЁТШУНОС [адабиёт + *ф.* شناس – ўрганувчи] Адабиёт илми (фани) билан шуғулланувчи мутахассис.

АДАБИЁТШУНОСЛИК Адабиёт илми, илм-фаннинг адабиётга оид соҳаси; бадиий адабиётни, унинг моҳияти, ижтимоий вазифаси ва адабий жараён қонуниятларини ўрганувчи фан.

АДАБИЙ 1 Бадиий адабиётга оид. *Адабий асар. Адабий мерос. Адабий оқим.*

2 Ёзувчиларга, ёзувчилик фаолиятига оид. *Адабий ҳаёт. Адабий муҳит. Адабий тахаллус.*

Адабий тил *тлш.* Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум норма (меъёр)ларга солинган шакли. *Адабий тилда сўзлашмоқ.*

АДАБЛИ Хулқ-одоби яхши; одобли, тарбияли. *Адабли бола.*

АДАБСИЗ 1 Хулқ-одоби ёмон, тарбиясиз.

2 Одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган, одоб-ахлоқ доирасидан ташқари. *Халқ*

шунингдек гаплар билан юз ёқдан унга ҳужум қилиб, ҳатто адабсиз сўзлар билан ҳам сўкар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АДАБСИЗЛИК Одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган иш, одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган хатти-ҳаракат. *Саидий Мирза Муҳиддинга нисбатан Муҳаммадражабнинг адабсизлигидан хижолат бўлар, ичида "юзсиз, беандиша" дерди.* А. Қаххор, Сароб.

АДАД [*а.* عدد – миқдор, сон] *эск.* **1** Сон, миқдор. *Қўшиқчиларнинг адади борган сари ортди.* Ойбек, Навоий. [*Тўпламни*] *Тўплаб нашрга тайёрловчи ва муҳаррир Аҳмаджон Мелибоев. Адади 5000 нусха.* Газетадан.

2 *нумератив с.* Дона. *Алалхусус, яна шуни баён қиладурмизким, кофирлар юртига кетувчиларнинг сони икки юз ададга боради.* Ж. Шарипов, Хоразм.

АДАДСИЗ **1** Сон-саноқсиз, ҳисобсиз. *Ададсиздир бойларининг йилқиси.* "Ёдгор".

2 Чек-поёни йўқ. *Бу ададсиз чўл эди, сира меъёри йўқ эди.* "Баҳром ва Гуландом".

АДАМ [*а.* عدم – йўқ, йўқлик] *эск. кт.* Йўқлик, мавжуд эмаслик; *зид.* **борлик**.

Адам айламоқ Йўқотмоқ, йўқ қилмоқ. *Адам йўлини тутай зарра менда ғам бўлса.* Бобур.

АДАПТАЦИЯ [*лот.* adaptatio – мослашув] **1** *биол.* Организмнинг, мас., сезги аъзоларининг атроф муҳит шароитларига мослашиши, кўникиши. *Кўз адаптацияси.*

2 *ҳуқ.* Бошқа, янги жойда яшаш шароитига мослашиш.

3 Чет тилларни ўрганувчилар учун асар матнини соддалаштириб бериш ва шу тариқа соддалаштирилган матн. *Адаптация қилинган матн.*

АДАШ I **1** Исми бошқа бирор кимса билан бир хил бўлган одам, исмдош. *Биз иккимиз адашмиз.*

2 Шундай кишиларнинг бир-бирига мурожаатида қўлланади. *-Яша, адаш! – хурсанд бўлиб кетди Қудрат.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

АДАШ II **1** Адашган, бир пойи алиш (алмаш). *Калишим адаш бўлиб қолди.*

2 *рвш.* Янглиш, ноўрин. *Бу ерга адаш келиб қолибман.* ▬ *Хат бу ерга адаш тушиб қолибди.* Газетадан.

АДАШМОҚ **1** Йўлини йўқотиб қўймоқ. *У ёрқин кундузда йўлга чиқиб, қоронғи кечада адашган кишидай, нима қиларини билмай қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Адашган кимсадек, Фурқат, қаён боргум билолмасман.* Фурқат.

2 Нотўғри (хато) иш тутмоқ, нотўғри йўлга кирмоқ. *Ҳа, ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўйганлар доим адашади.* Уйғун. *Адашсанг, тўғри йўл сўргил, уялма.* Воқиф.

3 Ажраб йўқотмоқ. *Ватанидан адашмоқ. Ўз тўпидан адашмоқ.* ▬ *Отардан адашган бир талай қўй-қўзи ўтлай-ўтлай, бир томони зов, супрадай майдонга тушиб қолибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *..Адашган ошиқлар бирбирин излар.* "Муродхон".

4 *с.т.* Алмаш бўлмоқ. *Қалпоғим адашибди.*

АДАШТИРМОҚ **1** А**дашмоқ** фл.орт.н. *Йўлдан адаштирмоқ.*

2 Хато тарзда бир-бирига алмаштирмоқ, бири ўрнига бошқасини белгиламоқ. *Касса билан киссани адаштирманг.* Газетадан.

АДВОКАТ [*лот.* advocatus < advocare – ёрдамга чақириш] **1** Судда жавобгарга ҳуқуқий ёрдам (маслаҳат) берувчи, жавобгар (айбдор)ни ҳимоя қилувчи юрист; оқловчи, ҳимоячи. *Адвокат, тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади.* Газетадан.

2 *с. т. салб.* Маслаҳатчи; ҳимоячи.

АДВОКАТУРА **1** Адвокатлар ташкилоти, адвокатлар коллегияси.

2 Адвокат фаолияти, адвокатлик.

АДДОИЙ [*а.* الدّاعى – даъват этувчи] *эск.* Дуо қилувчи, яхшилик тиловчи (мактуб охирида имзодан олдин ишлатиладиган сўз). *Мунда барча ёру дўст саломат, мендан Ҳасаналига салом айт! Аддоий отанг Юсуфбек ҳожи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АДЕКВАТ **[***лот.* adaequatus – тенглаштирилган**]** **I** *от* Билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари ва алоқаларини уларнинг объектив мазмунига тўғри келадиган, аниқ ва мос қилиб билиб олиш.

АДЕКВАТ II *сфт.* Ҳар жиҳатдан мос, тенг келадиган; ўхшаш, мувофиқ. *Адекват тушунчалар. Адекват таржима.*

АДЕНОИДЛАР [*юн.* aden – без + eidos – ўхшаш] Бурун-ҳалқум муртагининг ортиқча ўсиб катталашиши.

АДЕНОМА [*юн.* aden – без + oma – ўсмани билдирувчи қўшимча] Бир қатор без тўқималаридаги хавфсиз ўсма касаллиги.

АДЁЛ [*р.* одеяло – ёпинғич, ўрангич] Кўрпа ўрнида ишлатиладиган, енгил, унча қалин бўлмаган ёпинчиқ. *Жун адёл. Адёл ёпиниб ётмоқ.* ▬ *Муқаддас катак-катак адёл тўшалган каравотнинг бир четкасига ўтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

АДИБ [*а.* اديب – тарбияли, маърифатли; ёзувчи] Адабий асарлар ёзиш билан шуғулланувчи шахс, ёзувчи. *Бизга адиблар, шоирлар, ҳақиқий жасур курашчилар лозим.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳозирги кўзга кўринган йирик адиб ва шоирлар шу даргоҳ лабораториясидан етишиб чиққан кишилардир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

АДИБА 1 Адиб аёл, ёзувчи аёл.

2 Адиба *(*хотин-қизлар исми*)*.

АДИ-БАДИ Бир-бирига тегадиган гап-сўз, вақтни беҳудага ўтказиб айтишиш, беҳуда тортишув. *Насимнинг бригадир билан ади-бадидан боши чиқмади.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Энди ади-бадига ўрин йўқ. Очиқ гаплашамиз.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

Ади-бади айтишмоқ Бир-бирига тегадиган гап-сўз қилишмоқ, беҳудага тортишмоқ. *Ҳотам ортиқча ади-бади айтиб ўтиришни эп кўрмади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Холжон хола бир ўзи тўққизта кундошга бас келиб, роса ади-бади айтишиб олди.* Ғайратий, Довдираш. **Ади-бадига бормоқ** Жанжаллашишгача бормоқ; сан-манга бормоқ. *..аммо бу ташкилотлар бирор вазифа топширса, ҳеч ади-бадига бормас, кўнглига ёқмаса ҳам, бажарар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

АДИБЛИК Адиб касби, ёзувчилик.

АДИГЕЙ 1 Адигея Республикаси туб халқининг номи.

2 Адигей халқига мансуб. *Адигей аёл.*

АДИГЕЙЛАР Адигея Республикасининг асосий аҳолиси ҳисобланган халқ; адигей халқи.

АДИЗ Буғдойи ёки арпаси ўриб олинган майдон. *Уни теримчилар ёнида.. кузги шудгор қилинаётган адизда учратиш мумкин.* М. Назаров, Дақиқа ва мисқол.

АДИЛ [*а.* عديل – тенг*,* баробар] **1** Тўғри, эгилмаган, букилмаган, тикка. *Икки ёнида адил тераклар шовуллаган кенг асфальт йўл.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Қиз.. бўйчан ва самбитгул новдасидай адил эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бурилмаган, тўппа-тўғри. *Шаҳар тўғри тўртбурчакли кўринишда бўлиб, планнинг бош ўқи шаҳарнинг шимолидан жанубига қараб адил ўтказилган.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда.

АДИНАМИЯ [*юн.* а – инкор қўшимчаси + dinamia – куч, қувват] Кексалик, касаллик, очлик сабабли тинка-мадор қуриши, ҳолсизлик.

АДИП Тўн, чопон ва ш.к.нинг ёқасидан этагигача ички четига тутилган энсиз газлама. *Тўннинг адипи.*

АДИПЛАМОҚ Четига адип тутмоқ, тикмоқ. *Кўрпани адипламоқ.*

АДИР Тоғларга яқин, тоғ этакларидаги алоҳида тепалик ерлар. *Туманга қарашли ерларнинг кўпгина қисмини адирлар ташкил қилишига қарамасдан, деҳқонлар пахтадан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.* Газетадан. *..шаҳар боғлари орқада қолиб.. паст, баланд адирлар бошланди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

АДЛ [*а.* عدل – адолат, тўғрилик] Адолат, одиллик. *Халқ билан бўлгуси муомалада қиличга эмас, адл кучига суянмоқ.. лозим.* Ойбек, Навоий.

АДЛИЯ Судлов муассасалари тизими, суд идоралари фаолияти. *Адлия ходими. Адлия маслаҳатчиси.*

АДМИНИСТРАТОР *қ.* **маъмур**. *..администратор дағдаға билан хонага кириб, жойни бўшатинг, деб туриб олди.* Газетадан.

АДМИНИСТРАЦИЯ [*лот.* administratio – бошқарув, раҳбарият] *қ.* **маъмурият 1.**

2 Муассаса, корхона, ташкилот раҳбарлари мажмуи.

АДМИРАЛ [*голл.* admiraal < *а.* اميرالبحر – денгиз ҳокими, қўмондони] Ҳарбий-денгиз флотининг олий қўмондонлик таркибига бериладиган ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

АДНО [*а.* ادنا – тубан, энг паст] *эск. кт.* Паст, қуйи, учинчи даражали. *Мадраса талабалари "аъло", "авсат" ва "адно" номи билан уч гуруҳга бўлинган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

АДО I [*а.* ادا – ўташ, бажариш] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг охири, тамоми, ижроси. *Не қаро даврон экан бу, тингламас ҳеч ким уним! Хору зорлик топдим-у, ҳурлик адосин топмадим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Адо бўлмоқ 1) тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ, охирига етмоқ. *Бу ривоятлар эшитганингиз билан адо бўлмайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) *кўчма* ташвиш, дард орқасида

ҳолдан тоймоқ, тамом бўлмоқ. *Йиғлай-йиғлай адо бўлдим, Элатимдан жудо бўлдим.* “Равшан”. **Адо бўлгур!** *қарғ.* Ўлгур! [*Хонзода Мастонга:*] *Қаримай адо бўлгур, Мастон! Арслонни кесак отиб енгмоқчимисан?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Адо этмоқ** *айн.* **адо қилмоқ 1**. **Адо қилмоқ** 1) ўтамоқ, бажармоқ, ижро қилмоқ. *Бурчни адо қилмоқ. Вазифани адо қилмоқ.* ▬ *Анвар “ҳузури муборак” нинг эшигида тўхтаб, таъзим адо қилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) ҳолдан тойдирмоқ, тинкасини қуритмоқ. *Уни дард адо қилди.* ▬ *Тез замон бўлди қиморга мубтало, Барчани ўйнаб қимор, қилди адо.* Ҳамза.

АДО II Ишва, жилва, ноз-карашма. *Ҳаёт жажжи қизларга хос адо билан: -Воей, сизам бир қизиқсизки, буви, нима, мени бўри еб кетармиди? — деди-ю, ҳовли этагига юриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Йигитни маст этар жонон адоси..* “Гўрўғлининг туғилиши”.

АДОВАТ [*а.* عداوت — душманлик, нафрат] **1** Душманлик муносабати, шундай муносабатга хос ҳис-туйғу. *Гина — адоватнинг қўшниси.* Мақол. ▬ *Агар сиз нафсиламрга қарасангиз, икки халқни бир-бирига совуқ кўрсатиб, адоват тухумини сочиб келувчи бир нечагина одам бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кек, хусумат. *Ўзбек ойим бўлса, эски гина ва адоватларни қайтиб келмас дунёсига жўнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юракда бир мўмин бандасига кин сақлаш мусулмончиликка ёт нарса, бой. Адоват ноҳақликни юзага келтиради.* К. Яшин, Ҳамза.

АДОЙИ: адойи тамом бўлмоқ *айн.* **адо бўлмоқ** *қ.* **адо** I. *Ўйинчоқ адойи тамом бўлди.* ▬ *Бечора кампир бу шум хабардан адойи тамом бўлди-ку!* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

АДОЛАТ [*а.* عدالت — одиллик] **1** Одилона иш тутиш, одиллик. *Яқинда суднинг ҳал қилув қарори ҳам ижро этилди. Мулкимизни қайтариб олдик. Адолат тантанасидан мамнунмиз.* Газетадан. *Маҳалла йўли — эзгулик, ҳиммат ва адолат йўлидир.* Газетадан.

2 Адолат (хотин-қизлар исми).

АДОЛАТЛИ 1 Адолат билан иш тутувчи; одил. *Адолатли жамият. Адолатли киши.* ▬ *Бир адолатли подшоҳ келиб, ғариб-ғураболар бошини силайди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бундай муносабат республикамизда муборак ҳаж зиёратига борувчиларни танлаб олиш борасида адолатли ва одилона иш тутишни таъминлайди.* Газетадан.

2 Адолатга, ҳаққонийликка асосланган. *Адолатли ҳукм.* ▬ *..жамият тарихида ўйнаган ва ўйнайдиган ролига виждонан, холисона, адолатли баҳо берадиган кунлар келди.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

АДОЛАТПАРВАР Адолат тарафдори, адолат, ҳаққоният учун курашувчи. *Адолатпарвар бўлиш осон, аммо эътиқодинг учун курашиш қийин.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

АДОЛАТСИЗ 1 Адолатга зид иш тутувчи. *Жиззах халқи исёнининг тиғи чоризмнинг адолатсиз тузумига қаратилган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Адолатдан ташқари, унга хилоф бўлган. *Адолатсиз ҳукм.*

АДОЛАТСИЗЛИК Адолатсиз хатти-ҳаракат, адолатга зид ҳолат. *Элмурод ўйланиб, ташқарига чиқди. Ҳақсизлик, адолатсизлик унинг ичини ўртай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Инсоният қонунларсиз яшолмайди. Акс ҳолда, унинг ҳуқуқи поймол бўлади. Адолатсизлик авж олади.* Газетадан.

АДОҚ 1 *эск. айн.* **оёқ 1**. *Қуёш юзунг кўруб ерга йиқилди, Адоғинг туфроғини сурма қилди.* Хўжандий, Латофатнома.

2 *3-ш.бирл.* **адоғи**. Тугаш жойи, ниҳояси. *Одатда ҳар қандай ҳикоянинг ҳам боши, ўртаси, адоғи бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Аҳмад сунбулани — ёзнинг адоғи, кузнинг бошланишини яхши кўрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

АДОҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Охир томон (қуйи томон) йўналмоқ. *Йўл арғамчидайин — бир юқорилайди, бир адоқлайди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

АДОҚСИЗ *кам қўлл.* Поёни йўқ, чексиз. *Қашқадарёнинг қуйи оқимида ер учсиз-адоқсиз-у, сув йўқ.* Газетадан. *Атрофда тун билан тонгнинг ораси, Нимтатир пардалар тинч ва адоқсиз.* Ш. Қурбонов, Шеърлар.

АДРАМКАШ I *шв.* Учи илмоқли катта жуволдиз.

АДРАМКАШ II *шв.* Ҳар қандай нарсага бефарқ қарайдиган, лоқайд, кўкноринамо одам.

АДРАС [*ф.* ادرس — оқ мато, йўл-йўл гулли мато] Ўриши ипак, арқоғи эса ипдан бўлган, атласга ўхшаш, аммо қалинроқ маҳаллий газлама. [*Махдум:*] *-Бўлмаса,— деди иккиланаб,— жўнроқ адрасдан ол-чи.* А. Қодирий,

Меҳробдан чаён. *..кенг меҳмонхонада қат-қат атлас, адрас кўрпачалар устида пар болишларга кўмилиб, ёнбош қилиб ётган..* К. Яшин, Ҳамза.

АДРАСБОФ [*ф.* ادرس باف] Адрас тўқувчи уста, косиб. *Мулла Шокир асли ўртаҳол бир адрасбофнинг ўғли бўлиб..* М. Осим, Элчилар.

АДРАСМАН *айн.* **исириқ.**

АДРЕС [*фр.* adresse – юбормоқ] **1** Бирор киши ёки ташкилот ўрнашган жой, манзилнинг номи ва б. белгилари (уй ёки квартира рақами ва ҳ.к.) мажмуи, унинг қайди. *Институт адреси. Уй адреси.* ▬ *Менга адресингизни беринг, колхозга ўзим хат ёзаман, уйингиздан хабар олишади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Почта орқали юбориладиган нарсалар устидаги уларнинг борадиган жойи ва олувчининг номи кўрсатилган ёзув. *Унинг* [*Замиранинг*] *номига ғалати бир конверт чиқди: на адреси бор, на маркаси ва на почта муҳри.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 (*эгалик ва ж.к.да*) Номига, шаънига тегишлиликни билдиради. *Менинг адресимга айтилган барча гапларни халқ шаънига айтилган гаплар деб ҳисоблайман.* Ойбек, Халққа хизмат – бахт. *Қодировга берилган бу айбнома қолоқ, ҳаётдан узоқда бўлган раҳбарлар адресига айтилган айбнома ҳам эди.* Газетадан.

4 Бирор тантана муносабати билан муассаса, ташкилот ёки айрим шахс номига юборилган, одатда, папка ва ш.к. нарса ичига солинган табрикнома; ёднома.

Адрес столи (*ёки* **бюроси)** Бирор ерда яшовчиларни рўйхатга олиб борувчи ва уларнинг тураржойлари тўғрисида маълумотномалар берувчи муассаса, идора. **Адреслар дафтари** Кишилар ва идораларнинг адреслари ёзилган дафтар, журнал.

АДРЕСАНТ [*нем.* Adressant – юборувчи] Почта орқали телеграмма, хат ва ш.к. юборувчи шахс ёки ташкилот.

АДРЕСАТ [*нем.* Adressat – олувчи] Адресига хат, телеграмма ва ш.к. юборилувчи киши ёки ташкилот.

АДРЕСЛАНМОҚ Адрес қўйилмоқ, адрес қўйиб юборилмоқ ёки айтилмоқ. *Марказий газета бошқармасига адресланган бу хат шу куни кечқурун Муродхўжа домланинг қўлида очилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

АДСОРБЦИЯ (*лот.* adsorbere – шимиш, сўриш*) физ., ким.* Газ ёки эритилган модда зарраларининг қаттиқ модда сиртига сингиши, шимилиши.

АДУ *эск. кт. айн.* **адув**. *Қиличингдан адулар қон ичинда.* Хоразмий, Муҳаббатнома.

АДУВ [*а.* عدو – душман, ёв] *эск. кт.* Ёв, душман. *Адув ҳайлига ғолиб ўлмоқ учун ҳам халқ бирлашдилар ушбу кун.* С. Хондайлиқий. *Фарғона аҳли адув йўлига тушиб, ислом динидан чиқиб кетди, деганлари ёлғон..* Мирмуҳсин, Меъмор.

АДУЛИҚ, адувлиқ *эск. кт.* Душманлик. *Адулиқ шиор айлаб ағёр эли, Аён этгуси бўйла баҳсу жадал.* Аваз.

АДЪЮНКТ [*лот.* adjunctus – қўшилган] Ҳарбий илмий-тадқиқот институтларида ёки олий ўқув юртларида номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот олиб бораётган олий маълумотли ёки магистр даражасидаги мутахассис.

АДЪЮНКТУРА Юқори малакали ҳарбий илмий ва илмий-педагог кадрлар – фан номзодлари тайёрлашнинг асосий шакли бўлиб, у Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

АДЪЮТАНТ [*лот.* adjutans, adjutantis – ёрдам берувчи] Хизмат топшириқлари ёки штаб ишларини бажариш учун ҳарбий бошлиқ ихтиёрида бўлган ёрдамчи офицер.

АЁ *эск.* Мурожаат ёки хитобни билдиради; эй. *Аё, шоҳим, гулдай сўлган тарзим бор, Хизматкорман, сизга айтар арзим бор.* "Муродхон".

АЁВ Аяш, раҳм-шафқат ҳис-туйғуси, шундай ҳис-туйғули муносабат. *Қиттак ҳам аёв кутмас эрта кун ҳакамидан.* Миртемир.

Аёв бермаслик Аямаслик.

АЁВСИЗ Аёв бермай, аямай қилинган, раҳм-шафқатсиз. *Аёвсиз кураш. Аёвсиз зарба. Аёвсиз танқид.* ▬ *Аёвсиз туширилган икки-уч муштдан кейин Қудратнинг бурнидан қон кетди..* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

АЁЗ Кеч куз, қиш ва эрта баҳордаги аччиқ совуқ, қора совуқ. *Гарчанд ҳозир кеч куз, аёз бўлса ҳам, Оллоқулибой ҳамон терлар, семиз гавдасини кўтаролмасди.* Ж. Шарипов. Хоразм. *Тун аёз, изғириқ ел тўрт тарафга югуриб, жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЁЗЛАМОҚ Аёзда совқотмоқ. *Аёзлабман, савил.. Кеча келинни келтиргунча, совуқда қалтираб чиқдим.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

АЁЗЛИ Аёз бўлиб турган. *Қирчиллама қишнинг аёзли кунларини.. кух-кухлаб, дағ-дағ титраб ўтказдилар.* Газетадан.

АЁЛ 1 [*а.* عيال – оила; хотин] Умуман эркакка қарама-қарши жинсдаги шахс; хотин; Бу маънода асосан кўплик шаклида қўлланиб, умумлаштириш маъносига эга бўлади, "хотин-қизлар" маъносини билдиради. *Ориятли бўлганидан, одамлар юзига тик қарагани уяладими, ким билсин, бу аёлнинг вужудида ўн эркакнинг ор-номуси бор эди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Шарқ аёллари, шу жумладан, ўзбек аёлларининг таърифи.. олам аҳлини ҳайратга солиб келаётгани сир эмас.* Газетадан.

2 Шундай жинсдаги етук ёшдаги шахс (қизга нисбатан). *Бугунги кунимизда тенгсиз хислатларни ўзида мужассамлаштирган қизларимиз, аёлларимиз кўп.* Газетадан.

3 Хотин, рафиқа (эрга нисбатан). [*Ёрмат:*] *Аёлим қишин-ёзин ичкари ҳовлининг юмушини қилади: кир ювади, уй-жойни супуради, нон ёпади, кўрпа қавийди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмад бригадирнинг юрагига ғулғула тушди, сергак тортиб, аёлига қаради.* С. Нуров, Нарвон.

АЁЛМАНД Оилали, бола-чақали; бола-чақаси кўп. *Аёлманд одам ишламай туролмас экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Бир томони хўжалик камбағалроқ, бир томони аёлманд бўлганидан анча қийналибди.* Т. Малик, Шайтанат.

АЁН [*а.* عيان – зоҳир, кўриниб турган] *кам қўлл.* **1** (*ж.к. сўз билан*) Маълум. [*Ёрмат:*] *Бу оилада нима сир ўтса, барчаси менга аён.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *рвш.* Аниқ-равшан. *Аён кўрмоқдамиз нур болқишини, Мардлар шарафига халқ олқишини.* Х. Расул.

АЁНЛАШМОҚ *кам қўлл.* Маълум бўлмоқ. *Ҳадислардан ул зотнинг.. юксак фазилатлар эгаси бўлганликлари аёнлашади.* Газетадан.

АЁҚ I *айн.* **оёқ 1**.

АЁҚ II *эск.* Коса, пиёла, қадаҳ. *Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас..* А. Навоий.

АЁҚЧИ Шароб қуювчи, косагул. *Меҳмонлар белларини маҳкам танғиб олган кўк саллали аёқчилар қўлидан қадаҳни олиб, шароб ичиб..* М. Осим, Карвон йўлларида.

АЖАБ [*а.* عجب – қизиқ, таажжуб] **1** Ажабланарли, ҳайрон қоларли. *Ажаб савдолар.* ▬ *Ажаб Ҳирот экан! Ҳалвофуруши ҳам шоир.* Ойбек, Навоий.

2 (Якка ҳолда) Ажабланишни билдиради; таажжуб, қизиқ. *Бир неча қадам босиб, орқасида қолган дарвозага қаради-да, бу ерда гўзал қиз Ойпошша яшаганини эслади. -Ажаб, – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ажабким, муқаддас нарсалар ёнма-ён бўларкан.* Газетадан.

Ажаб бўлди *(ёки* **бўпти**) Жуда яхши бўлди, кўнгилдагидай бўлди (бирор кимса қилмишига яраша жазо олганда айтиладиган ибора). *..газетада чиққан фельетонни кўрган Ҳафиза.. ажаб бўлибди, дермикин? Ёки ачинармикин?* Мирмуҳсин, Умид. **Ажаб қилди** Жуда яхши қилди, жуда тўғри қилди, боплади. *-Чийиллама, – деди ҳайқириб Йўлчи. Йўлчининг жавобига одамлар секингина кулишиб, "ажаб қилдинг" дегандай, бир-бирларига маъноли қараб олишди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ажаб эмас** 1) шояд, шоядки. *Энди шифони ёлғиз оллодан сўра.. Ажаб эмас, шифо берса.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *мод.с.взф.* мумкин, эҳтимол. *..бу мақол шу чўлларда тўқилган бўлса, ажаб эмас.* Ж.Шарипов, Хоразм. *Совуқни қаранг, қор ёғиб қолса ҳам ажабмас.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Во ажаб(о)** *айн.* **ажабо** (*қ.*) [*Бой ўз-ўзига деди:*] *Во ажабо, бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офатижон фариштами?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 *шв.* Хўп, бўпти. *Полвон, Мадрайим қорани чақир.. – Ажаб, оға.* Ж. Шарипов, Хоразм.

АЖАБЛАНМОҚ Ҳайрон бўлмоқ, таажжубда қолмоқ. *Сени қочиб кетган дейишганди, чироғим. – Қаёққа? – ажабланди Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой.

АЖАБО *унд. с.* Таажжуб, қизиқ. *Ажабо, бу қандай гап!*

АЖАБСИНМОҚ Бир оз ажабланмоқ. *Ишлаб ўтирган хонамда ўзимча ажабсиндим: Дадажонга нима бўлди.* Р. Раҳмон, Одат.

АЖАБТОВУР [ажаб + *а.* طور – ҳол, ҳолат; муомала тарзи] **1** Ажаблантирадиган. *Ҳаётнинг ажабтовур ҳангомалари, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалари бисёр.* Газетадан.

2 *с.т.* Бинойидай, дурустгина. *Ажабтовур йигит бўлибди.* ▬ *Бугун ажабтовур тинч ва салқин кун бўлди-да.* Л. Бать, Ҳаёт бўстони.

АЖАЛ [*а.* اجل – вақт оралиғи; белгили муддат] Ўлим пайти, қазо вақти; ўлим. *Дард бошқа, ажал бошқа.* Мақол. *Қўрққанни ажал қувлар.* Мақол.

Ўз ажали билан ўлмоқ Қазо вақти етиб (бошқа сабабларсиз) ўлмоқ. *Гулнорнинг ўлимини улар ғоят совуққонлик билан қаршилашга уриндилар. Улар: -Гулнор ўз ажали билан ўлди. Ажалга даво йўқ, — дейишди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ажал(и) етмоқ** Ўлим соати, қазоси етмоқ. *Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади.* Мақол. ■ *Ажал етса, жон айрилар бу тандан.* "Муродхон". *Жаллодлар зулмида оғир кун кўрдим. Етмайин ажалим, қутулиб қолдим.* "Рустам", **Ажал олсин** *(ёки* **тортсин, чақирсин**)! *қарғ.* Ўлсин! Қуриб кетсин! **Ажалидан беш кун бурун** Куни битмасдан, қазоси етмасдан, бевақт. *Ўғрилар тешиб, олдимга чиққанларида, нима қилар эдим? ..Мен ажалимдан беш кун бурун ўлар эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ажал ҳайдаб келган экан** *(ёки* **келди**) Бирор жойдан бошқа жойга бориб, ўша ерда қазо топган киши ҳақида айтилади. *Ажал ҳайдаб келди гулгун қошима, Кетмассан қўлимдан бу замон омон.* "Ширин билан Шакар". **Ажал тўнини бичмоқ** Ўлдиришга шайланмоқ, ўлими ҳозирлигини кўрмоқ. *Ажал тўнин бичиб, минганман отга.* "Гўрўғли". *Ёвга кирмай ботир, душман санчмайди, Ёв бўлмайин ажал тўнин бичмайди.* "Юсуф ва Аҳмад".

АЖАМ [*а.* عجم] **1** *эск. кт.* Араб халқи ва мамлакатларидан бошқаси (хусусан, форслар, эронликлар).

2 *мус.* Шашмақом куйларидан бирининг номи. *Савти ажам. Ажам тароналари.*

АЖАМИЙ *эск. кт.* Араблардан бошқаларга, хусусан, форсларга, эронликларга мансуб бўлган.

АЖДАР [*ф.* اژدر] **1** Афсонавий катта илон. *Ўртанча ботир қараса, ғордан боши хумдай, узунлиги харидай аждар чиқиб келаётган эмиш.* "Чалпак ёққан кун".

2 Калтакесакнинг дарахтларда яшовчи, учишга мослашган, Жанубий Осиёда тарқалган тури.

АЖДАРГУЛ *айн.* **итоғиз.**

АЖДАРНАФС Ебтўймас, мечкай, очофат. -*Наинки Хўжа Абдулло Хотибдек бир аждарнафснинг бошига тушган тошни салтанатга нисбат берурсиз, — деди Навоий.* Ойбек, Навоий.

АЖДА(Р)ҲО 1 *айн.* **аждар 1**.

2 *кўчма нафр.* Қонхўр, ёвуз одам ҳақида. *Уни отган аскар аждаҳо Гитлернинг тишларидан бирини қоқиб ташлаган — инсоният олдидаги муқаддас бурчини бажарган бўлади.* А. Қаҳҳор, Иккининг бири.

АЖДОД [*а.* اجداد — "жадд" (бобо) сўзининг кўплиги] **1** Илгари ўтган насл-насаб, ота-боболар (авлодга нисбатан). *Мустақиллигимиз йилларида Имом ал-Бухорий каби буюк аждодларимиздан аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандларнинг таваллуд саналари нишонланганлиги.. жамиятимизнинг маданий-маърифий юксалишига ижобий таъсир этмоқда.* Газетадан. *Аждодлар ибрати авлодлар учун намунадир.* Газетадан.

2 *биол.* Ўсимлик ва ҳайвонларнинг қадимги бўғини.

АЖЗ [*а.* عجز — заифлик] *эск. кт.* Қурби етмаслик; ожизлик, заифлик. *Биродар, ҳақиқий инсон ўз ажзини иқрор қилмоқдан завқ олур.* Ойбек, Навоий. *Илтижо қилсам, ёронлар, ажз ила мен найлайин, Ноз ила дерким, манга кўп илтижо даркор эмас.* С. Хондайлиқий.

АЖИ *бол.* Юзини қўллари билан тўсиб, аҳён-аҳёнда кўрсатиб (кўриниш бериб) айтиладиган сўз (болалар ўйинида).

АЖИ-АЖИ 1 Болаларнинг шундай сўз айтиб ўйнайдиган ўйини. *Юзини икки қўли билан тўсиб, ажи-ажи қилгандай илжайди, улар* [*болалар*] *кулишди.* Ибохон, Улуғ кун.

2 *кўчма* Шундай маъноли қараш, хатти-ҳаракат. *Ҳақиқатни минг қават уйга қамасангиз ҳам, кавакдан "ажи-ажи" деб мўралаб тураверади.* "Муштум".

АЖИБ [*а.* عجيب — ажойиб, қизиқ] Ҳайрон қоларли, ҳайратга солиб, қизиқиш уйғотадиган, ғалати. *Ажиб манзара.* ■ *...фавворачалардан офтоб нурида кумушдай товланиб таралаётган сув заррачалари атрофга ажиб бир тароват бахш этарди.* Газетадан.

АЖИ-БУЖИ Эгри-бугри, қинғир-қийшиқ (хат, расм ва ш. к. ҳақида). *Жуманиёз муқовасига ажи-бужи суратлар солинган.. ғалати китобни анграйиб томоша қила бошлади.* С. Сиёев, Аваз.

АЖИВА [*а.* عجوبه — ажойиб] *с.т.* Масхара бўладиган; кўримсиз, хунук, бедаво.

Ажива қилмоқ Масхаралаб кулги қилмоқ. *Кишини ажива қилишни дўндиради у.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Деворий газетага [расмини] ажива қилиб солган эканлар.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

АЖИВАҚА *шв.* Ўсмай, ривожланмай қолган; мажмағил. *Ғанани алмаштириш вақтида мана бундақа аживақаларни — ўсмай қолган қуртларни олиб кўрсатди Олияхон..* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

АЖИЗ *айн.* **ажз**. *Ноилож ажизни иқрор қилишга, "қаламим ожиздир" дейишга мажбур бўлинади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АЖИЛЛАМОҚ *айн.* **алжимоқ**. *..обрўйи зўр бўлган кишилар учиб қолганда ёки ажиллаб ўтирганда, у ҳушёр бўлса — ёмонми?* А. Қаҳҳор, Сароб.

АЖИН Теридаги йўл-йўл, ботиқ чизиқлар (асосан юз ва пешонада бўладиган). *Нормат онасининг ажин босган юзига, ёшли кўзларига термилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АЖИНА [*а.* جن – жинн] **1** *айн.* **жин 1.** *Кампирларнинг миш-мишларига кўра, киши кўзига кўпинча кечалари эчки бўлиб кўринадиган "ажина" ва "алвасти"лар макони бўлган бу овлоқ жой обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ажина чалмоқ Жин тегиб, ақлдан оздирмоқ. *Фалончи одам ёнғоқ тагида ухлаб ётган экан, ажина чалиб кетибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Кичкина, жиккак, кўримсиз одам ҳақида. *-Юзбошини нима қилдинг, ажина? — деди Нишонбек Муҳаррамга.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

АЖИНДОР Кўп ажин тушган. *Лаблари ҳамон қалтирар, ажиндор юзларининг ҳар қатида ғайришуурий ҳаракат акс этарди.* "Шарқ юлдузи".

АЖИОТАЖ [*фр.* agiotage — ҳовлиқиш, тартибсизлик] Биржа бозорларида чайқовчилик мақсадларида атайлаб юзага келтириладиган жонсараклик; қимматбаҳо қоғозларнинг курси ва товарларнинг нархини сунъий равишда кўтариш ёки тушириш.

АЖИРВОҚИ *шв. айн.* **аживақа**. *Ажирвоқи ўтларни кўрмасдан қолган экан, шунга паст-баланд гапми?* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

АЖНАБИЙ [*а.* اجنبي — бегона, чет киши] **1** *сфт.* Чет элга ёки чет элликларга оид, хорижий. *Ажнабий давлатлар. Ажнабий тиллар.*

2 *от* Чет эл фуқароси, чет мамлакат одами. *Республикамизга кўп ажнабийлар келади.*

АЖОЙИБ [*а.* عجايب — ажиб нарсалар] **1** Жуда ҳам яхши, таърифга сиғмайдиган. *Ажойиб манзара. Ажойиб санъаткор.* ▬ *Узоқ қишлоқда жуда содда турмуш кечиришга ўрганган бу бечоралар мана энди ажойиб шаҳарга келиб қолдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳиндистоннинг ажойиб, ранг-баранг гўзал гуллари секин барқ уриб ўсар эди.* Ойбек. Нур қидириб.

2 Таажжубга соладиган, ғаройиб. *Унинг* [*Бектемир*] *учун паровозлар қудратли, ажойиб жонли махлуқлар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Кишини қизиқтирадиган; қизиқарли, қизиқ. *Ажойиб ҳикоя.*

АЖОЙИБОТ Кишининг ақлини шоширадиган, ғайриоддий кўринадиган нарсалар ёки воқеа-ҳодисалар. *Элмурод тўрт томонга аланглаб, шаҳар ажойиботларини томоша қилиш билан ўз-ўзини овутганини эслади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЖОЙИБХОНА *эск.* **1** Ҳайвонот боғи. *Биласиз-ку, бизнинг томонларда моторли велосипед чиққандан буён эшак зоти камайиб, ажойибхонадаги ҳайвондек, одамларни қизиқтирадиган бўлиб қолган.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

2 *айн.* **музей.**

АЖР [*а.* اجر — мукофот, эваз] Эваз, эвазига бўладиган нарса, тўлов. *Она буларнинг ҳаммасига бардош берди. Энди шу бардошнинг ажрини кўряпти.* "Шарқ юлдузи". *..савобини қабристон аҳлига бағишласа, Аллоҳ таборака ва таоло маййитлар сонига тенг миқдорда ажру савоб ёзар экан.* Газетадан. *У билмайдики, Худо нолаю фиғонларга қараб эмас, бандасининг юрган йўлига қараб ажр беради.* Т. Малик, Шайтанат.

АЖРАЛИШ 1 Ажралмоқ фл.ҳар. н. *Тўдасидан ажралиш. Ажралиши қийин.*

2 Никоҳнинг бекор қилиниши (бекор бўлиши), қўйди-чиқди. *Кейин мен ҳам ажралиш ҳақида ариза ёзишга мажбур бўлдим.* Газетадан. *Бу қишлоқда ажралишлар, бевафоликлар, ахлоқий ноҳатлубликлар йўқ даражада экан.* Газетадан.

АЖРАЛИШМОҚ 1 Ажралмоқ фл. бирг. н. *Гуруҳларга ажралишди.* ▬ *..улар бошқа-бошқа кўчаларга бурилиб ажралишдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Никоҳни бекор қилмоқ, қўйди-чиқди бўлмоқ. *Мен мана бу турмушнинг сирларини билолмай қолдим. Фақат битта йўл қолди: ажралишамиз.* Ойдин, Кўнгли тўлди-

ми, яхши йигит. *Айтишларича, бир ёшга тўлганимда, отам билан онам ажралишган экан.* Газетадан.

АЖРАЛМАС 1 Ажратиб бўлмайдиган, ўзаро чамбарчас боғланган. *Адабиёт ва санъат маданиятнинг ажралмас қисмидир.*

2 Бири биридан сира айрилмайдиган; иноқ, қадрдон. *Ажралмас дўстлар. Халқларнинг ажралмас дўстлиги.*

АЖРАЛМОҚ 1 Бириккан, ёпишган еридан кўчмоқ, узилмоқ. *Пўстлоғи танасидан ажралмоқ.*

2 Бирлик, биргалик ҳолатидан чиқмоқ, алоҳида бўлмоқ. *..ота-онамнинг розиликлари билан улардан ажралиб, холамникида турдим.* С. Айний, Қуллар.

3 Бирлик ҳолатини йўқотмоқ, алоқани узмоқ (алоқаси узилмоқ). *Бугунги тараққиёт эса табиийликдан ажралиб қолмоқда.* ТВ дастуридан. *Элга қўшилсанг — эр бўласан, элдан ажралсанг — ер бўласан.* Мақол. ▬ *Бир минут ҳам ажралмайман элимдан..* Ҳ. Олимжон.

4 Маҳрум бўлмоқ, жудо бўлмоқ; айрилмоқ. *Мансабдан ажралмоқ. Бойликдан ажралмоқ. Ёридан ажралган етти йил йиғлар, элидан ажралган ўлгунча йиғлар.* Мақол. ▬ *Бечора Гулбаҳор, карвондан ажралган бўтадай бўзлайди, шўрлик.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Кўнглингиз ошуфта бўлган нарсадан ажралиш — азоб.* Газетадан.

5 Никоҳдан чиқмоқ. *Мени тергайдиган бўлсанг, ЗАГСга бораман, ажраламан, дебди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Алоҳидалик касб этмоқ, фарққа эга бўлмоқ; фарқланмоқ. *Бу ерда ҳаммадан ажралиб турган шахс — самарқандлик Тўғонбек эди.* Ойбек, Навоий. *Йигит кўпгина фазилатлари билан тенгдошларидан ажралиб туради.* Газетадан.

7 Алоҳида таркиб ҳосил қилмоқ. *Иссиқлик энергиясининг ажралиши.* ▬ *Етмаги ажралиб қолган нишолдадек..* Шукрулло.

8 *кам қўлл. айн.* **бўлинмоқ**. *Одатда булоқлар ўзларининг қайси тоғ жинсларидан чиқишига қараб, бир неча турларга ажралади.* Газетадан.

9 (*ж.к.билан*) Алоҳида-алоҳида бўлмоқ; бўлинмоқ. *Иккига ажралмоқ. Гуруҳларга ажралмоқ.*

АЖРАЛУВЧАН Яхши ажралиш хусусиятига эга.

АЖРАМАЧИЛИК Ажралиш, алоҳида бўлиш йўлида қилинган хатти-ҳаракат. *Ажрамачилик тантана қилган тақдирда муқаррар юз берадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий оқибатларни билмасликдан келиб чиқадиган тасодифларни истисно этиш учун ҳамма ишни қилиш керак.* Газетадан.

АЖРАМОҚ *қ.* **ажралмоқ**.

АЖРАТМА Бирор мақсад учун ажратилган, чиқарилган маблағ, пул ва ш. к. *..пул даромадлари ва бўлинмас фонд учун белгилангаи ажратмалар кўпаймоқда. Давлат бюджетига ажратмалар ёки...* Газетадан.

АЖРАТМОҚ 1 Ажрамоқ фл. орт. н. *Гўштни суякдан ажратмоқ. Иш жойини ажратмоқ. Гумон дўстни дўстдан ажратар.* Мақол. ▬ *-Сенинг муддаонг, — деди ҳожи, — марғилонлик келинни ўғлингдан ажратиб юбориш ва бу келининг билан қолдириш — шундоғми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Орага тушиб, икки ёққа айирмоқ (мас., ёқалашувчиларни). *Одамлар ажратмаганда, бу хотин мулла Норқўзини ғажиб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

3 Айириб олмоқ, халос қилмоқ; қутқазмоқ. *..ўртага Бойсунқор мирзо тушиб, ўғлини зўрға жаллод қўлидан ажратиб олган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Бирор мақсад учун атаб, белгилаб айирмоқ. *Маблағ ажратмоқ.* ▬ *Бунга қанча ер ажратамиз? — Ўрмонжон унинг саволига жавоб бермади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Навларига, турига, хилига қараб айирмоқ; хилламоқ. *Сарагини саракка, пучагини пучакка ажратмоқ.* ▬ *Анвар худайчи учун ажратган аризаларни қўлига олиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

6 Фарқига бормоқ, фарқламоқ. *Буларнинг қишлоқ болаларими ё шаҳар болаларими эканлигини ажратиб бўлмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Севги бор, фақат уни саробдан ажрата билиш керак.* Газетадан.

7 Айирмачилик қилмоқ, бошқалардан алоҳида (ёмон) муносабатда бўлмоқ, ўгай кўз билан қарамоқ. *Нуқул менинг боламни ажратасиз.* Сўзлашувдан. ▬ *Йўқ, сен ўзбекларни ажратма.* Ойбек, Қуёш қораймас.

8 Алоҳида (таъсирсиз) ҳолатга олмоқ. *Агар хонадонингизда грипп билан хасталанган бемор бўлса, уни бошқа оила аъзоларидан ажратиш талаб этилади.* Газетадан.

АЖРАШМОҚ 1 Ажрамоқ фл. бирг. н.

2 *айн.* **ажралишмоқ 2.** [*Заргаров:*] *Оқила билан ажрашиб кетганимга мана шу ҳафта роса беш йил тўлди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

АЖРИМ 1 Икки ўртадаги иш юзасидан хулосавий натижа; келишув, келиштирув.

Ажрим қилмоқ 1) келишмовчиликни, низоли ҳолатни бир ёқлик қилмоқ. *Сидиқжон ўрнидан туриб, кўча эшиги томон йўналган эди.. хотини тўхтатди: -Тўхтанг, ажрим қилиб кетинг!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ёшларнинг кўпчилиги Маннон Тўраевга нисбатан қай муносабатда бўлишларини ажрим қилиб олдилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон; 2) *ҳуқ.* томонлар иши юзасидан ҳукм чиқармоқ. *Яхшиси судга беринг — бизни ажрим қилсин.* "Муштум".

2 *ҳуқ.* Суд қарори. *Бекобод шаҳар суди.. Аҳмедовнинг жиноий иши юзасидан чиқарилган хусусий ажримни юборган.* Газетадан. *-Тўрани чақиртирамиз, сиз энди кетаверинг, ажримини маълум қиламиз, — деди қозикалон.* Ж. Шарипов, Хоразм.

АЖРИҚ Бошоқдошларга мансуб кўп йиллик серилдиз ёввойи (бегона) ўт.

Ажриққа ағанагандай Нотинч, безовта ҳолда азоб чекиб (ётмоқ). [*Ҳомид*] *Ўша куни туни билан ажриққа ағанагандек ухлолмапти.* Ш. Ғуломов, Бахт бўстонига.

АЖРИҚЗОР Ажриқ босган ер, ажриқ ўсган майдон. *Ажриқзор сойлик.*

АЖУВА *с. т. айн.* **ажива**. *Баққолнинг маймунидек, ким кўринганга ажува бўлиб юрма..* Ғ. Ғулом, Шум бола.

АЖУЗ [*а.* عجوز — қари, кампир, чол] *эск. кт.* Қари хотин, кампир. *Ёнимда қаламдоним, Нечук қайтарай, жоним! Эзиб ички, тумор, деб Келса чол, ажузлари.* Ҳамза.

АЖУЗА *айн.* **ажуз**.

АЖУЗ-МАЖУЗ *с. т. айн.* **айёми ажуз**. *қ.* **айём.**

АЗА [*а.* عزا — сабр-тоқат тилаш; таъзия билдириш] **1** *этн.* Аёлларнинг маййит чиққан уйда йиғи билан ўтказадиган мотам маросими. *Азага борган хотин ўз дардини айтиб йиғлар.* Мақол. ▬ *Камбағал уруғ-аймоқ, қўни-қўшнилар, тўйда, азада семирадиган юримсак аёллар қоронғида туртиниб, пиёда жўнашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Маййит чиққан уйдаги мотам жараёни. *Азада қатнашмоқ. Азага кириб, фотиҳа ўқиб чиқмоқ.*

Аза очмоқ 1) айтиб йиғлаш билан мотам маросимини бошламоқ. *Қопқоғи қалайланган темир тобут уй ўртасига қўйилгач, хотин-халаж бирдан уввос солиб, аза очди.* Э. Усмонов, Ёлқин; 2) бошқа хонадон маййитига (одатда, қариндош-уруғ кишисига) йиғи билан мотам маросими ўтказмоқ (аёл киши ўтказади); 3) уруш, савдо ва ш.к. га кетган ёки дом-дараксиз йўқолган кишиларнинг вафоти маълум бўлиши билан, шунингдек, тириклигидан умид узилган киши учун мотам маросими (аза) ўтказмоқ. *Уста Ҳасанбек бўлса ўғли Шодмонбекнинг жангда шаҳид бўлгани туфайли аза очди.* Мирмуҳсин. Меъмор. **Аза тутмоқ** 1) азали ҳолатда бўлмоқ. *Жаббор ака ўлган вақтларда қора кийиб, аза тутиб юрган чоғларида ҳам у ўзини ҳозиргидек якка-ёлғиз сезмаган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) диққатчилик билан йиғи-сиғи қилмоқ (одатда, арзимаган нарсага).

3 *кўчма* Умуман, мотам каби ҳолат; *зид.* **тўй, хурсандчилик.** *Бу ҳолат кимга тўй, кимга аза. Тўғри, камбағалнинг боши ғамдан чиқмайди. Ҳайити ҳам аза, жумаси ҳам аза..* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма. с.т.* Умуман, йиғи-сиғили ҳолат, беҳуда йиғи-сиғи (аёлларга нисбатан). *Шунга ҳам азами, йиғиштир йиғи-сиғингни.*

АЗАВОЗЛИК *с. т.* Ортиқча хафагарчилик, йиғи-сиғи. [*Бой Жамилага:*] *Битта гадо учун шунча азавозликми? Энди Ғофирни оғзингга олма! Сенга у номаҳрам.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Азавозлик қилмоқ Ортиқча (бекорга) йиғи-сиғи қилмоқ, кўз ёши тўкмоқ.

АЗАДОР Аза тутувчи. *Инсон вафотидан сўнг, табиийки, маййит аҳли азадор бўлади, мотам тутади.* Газетадан. *Марҳумларнинг хотирасига ўтказиладиган маъракаларга азадордан кўнгил сўраш учун борилади, аслида.* Газетадан.

АЗАЙИМХОН [*а.+ф.* عزایمخوان — афсун ўқувчи, сеҳрловчи, афсунгар] *этн.* Касалларга дам солиб, сеҳр-афсунлар ўқиб "даволаш"ни ўзига касб қилиб олган одам; дуохон. *Жаҳолатпараст сохта табиблар, азайимхонлар.. беморларни дуо ёзиш, тумор тақиш каби бемаъни тадбирлар билан алдашган.* Газетадан.

АЗАЙИМХОНЛИК Азайимхон иши.

АЗАЛ [*а.* ازل — ибтидоси йўқлик, ибтидосиз замон] Бошланиш даври йўқлик, бошла-

ниши номаълум замон. *зид.* **абад**. *Ариқ қазиш, сув чиқариш тўғрисига келсак, бу эски гап, азалнинг иши.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Азал наққоши (*ёки* **наққоши азал**) Тангрининг яратувчилик сифати. *Сарвқадлар суратин чекканда наққоши азал, Бир алиф шаклида ёзмиш қадди зебо суратинг.* Фурқат.

АЗАЛГИ Қадимдан қолган, узоқ замонлардан давом этиб келаётган, узоқ тарихга эга бўлган; қадимги. *Азалги одат. Азалги орзу.* ▬ *Бу ўлканинг ариқларини азалги тажриба ва уқув билан ва бениҳоя зўр, доимий меҳнат билан яратибди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

АЗАЛДА 1 Аввал бошда; туғилишдан. *Лекин азалда тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Жуда қадим замонларда.

АЗАЛДАН *рвш.* Қадим замонлардан бери, эскидан, қадимдан. *Азалдан маълум гап.* ▬ *Дўст, қардошдир азалдан ўзбегим тожик билан.* А. Орипов.

АЗАЛИ I *айн.* **азадор**. *Азали аёл.*

АЗАЛИ II *айн.* **азалдан**. *Азали шундай.*

АЗАЛИЙ *эск. кт.* Бошланиш даври йўқ, азалга оид. *Мен коинот, яъни моддий дунё нури илоҳийдан пайдо бўлган, ул азалий ва абадийдур, деб айтганман.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

АЗАЛИК Азадорга, аза кунларига мўлжалланган (кийим, кийимлик ҳақида). *Шунинг учун бўхчаларини титкилади, сандиғини очди, азалик матоларини бир-бир кўрди-ю, бўшашди..* "Ёшлик".

АЗАМАТ [*а.* عظمت – буюклик, катталик; фахр, ғурур] **1** Кўриниш-тузилиши эътибори билан жуда катта; ҳайбатли, улкан. *Азамат чинорлар. Азамат тоғлар.* ▬ *Ўйлаб қараса,* [*ота*] *шу ёшга келиб, бунақанги азамат қурилишни сира кўрмаган экан.* Р. Файзий. Чўлга баҳор келди.

2 Катта куч-қувватга эга; қудратли. *Одамлар ўттизлаб, элликлаб азамат машиналарни бошқарадилар.* М. Жўра. Қуёшдан нур эмганлар.

3 Ғайрат-шижоатли; баҳодир, ботир. *Тўрт томондан ёпирилиб, ўқ ёғдириб келаётган душман солдатларининг яна олти ҳамласини даф этди азамат пулемётчилар.* Т. Рустамов. Мангу жасорат.

4 Жисмонан етук; забардаст. *Ёнида арслондек, тоғни урса толқон қиладиган азамат эри турганда, ташвиш қилишга ҳожат йўқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳар бир одам олтинга тенг бўлиб турган бир маҳалда уч азамат йигитни бегуноҳ-бесўроқ қамаб қўйишса..* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ўн тўрт ёшга кирдинг, бўлдинг азамат.* "Муродхон".

5 Шундай белги-хусусиятга эгаликни қайд этувчи муносабатни билдиради. *Шокир Ғайратнинг елкасига қўлини ташлади: Оббо азамат-эй, зап ажойиб йигит экансан-ку!* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Чарчабсан, азамат, юр энди, блиндажга кириб ухлаб ол.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 Азамат (эркаклар исми).

АЗАХОНА Азали жой, хонадон. *Кечаги боғча бугун азахоналар каби кишининг кўнглини ғаш-қайғу билан тўлдирарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

АЗБАРОЙИ [*ф.* ازبرای – учун, сабабли] *юкл. кўм.* Таъкид, кучайтиришни билдиради. *Бу гаплар айниқса сиз билан менга келишмаса ҳам, азбаройи мени ёлғиз ташлаб қўйганингиздан айтдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қудрат азбаройи ҳаяжонга тушганидан гапни нимадан бошлашни билмай қолган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Азбаройи худо 1) худо учун, худо йўлига; 2) худо ҳақи, ўлай агар. *Буни эшитиб, азбаройи худо, тутақиб, иситмам чиқиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Азбаройи шифо** 1) шифо бўлсин учун, даво бўлсин деб. *Шу дорини азбаройи шифо ичинг;* 2) *айн.* **азбаройи худо** *Азбаройи шифо, бу нима деган гап-а?*

АЗЗА-БАЗЗА *рвш. с. т.* **1** Кўнгил амри билан, атайлаб, махсус. *Омоновдек одам сизни табриклаш учун азза-базза трест ўринбосари кабинетидан чиқиб келармиди?* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. *Ҳа, шундай ёмғирда азза-базза узоқдан келган кишининг бир нияти бўлиши керак.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ростакамига, астойдил. *-Ўттиз йиллик хотинингизга раҳмингиз келмайдими? – Бону энди азза-базза йиғига тушди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

АЗИЗ [*а.* عزيز – улуғ, қадрли] **1** Кам топиладиган, ноёб ва қадрли; тақчил. *Эрур озки, фируза бўлмиш азиз..* А. Навоий. *Сув бошқа жойларга ҳам худди шу ердан тақсимланади. Саккиз кун Марғилон билан Симга, саккиз кун Чимён.. Олтиариққа оқади. Шунинг учун ҳам сув бизда одам қонидай азиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ҳаёт учун энг зарурий ва қадрли, тенги йўқ. *Азиз таом.* ▬ *Буғдой шундай азиз овқат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғалла халқимизнинг пешона тери билан, билак кучи билан бунёдга келганлиги учун ҳам азиз ва муқаддасдир.* Газетадан.

3 Эъзоз-эътиборга, иззат-ҳурматга лойиқ, ардоқли, қадрли. *Азиз Ватан. Азиз меҳмон. Бола азиз, одоби ундан азиз.* Мақол. *Эр – сийланган ерда азиз.* Мақол. ▬ *..наҳот сен, менинг пушти камаримдан бўлган, жондан азиз фарзандим, шу ҳақиқатни тушунмасанг.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Олий қадрга эга, табаррук. *У ерда* [*Шоҳимардонда*] *аллақандай бир азизнинг қабри бор дейишади..* К. Яшин, Ҳамза. *Ўзбекистон – азизлар Ватани.* Газетадан.

5 Қайд этилган белги-хусусиятларга эгаликни таъкидловчи муносабатни билдиради. *Азиз дўстим. Азиз устозлар.* ▬ *Азизим, қизингизнинг бахтини бировларнинг остонасидан қидирманг.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

6 Азиз (эркаклар исми).

АЗИЗ-АВЛИЁ (*асосан, кўпл. шаклида* – **азиз-авлиёлар**). Эътиқодга кўра (одатда, ўтган), мўъжизалар кўрсатувчи, каромат, башорат қилувчилар. *Фолбинларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳожи хола анча азиз-авлиёларни айтди-ю, аммо Оқтўппи эшонни бир марта ҳам оғзига олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

АЗИЗЛАМОҚ *кам. қўлл.* Иззат-ҳурмат қилмоқ, азиз тутмоқ. *Бу сўзни эшитиб, Барчин.. азизлаб юрадиган бола – Ёдгор.. қандай бўлиб юрибди, – деди.* “Ёдгор”.

АЗИМ [*а.* عظيم – улуғ, буюк, катта] **1** Кўриниш, тузилиш эътибори билан ғоят катта, улкан. *Азим терак. Азим тоғлар. Азим дарё. Шаҳри азим.* ▬ *..Эски Жўвада азим бир жамоа йиғиб, Азизбек билан бўлган можаросини сўзлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Гуноҳи азим (**азим гуноҳ**) Катта гуноҳ. *Беҳуда қон тўкмоқ, юртни парчаламоқдан азим гуноҳ йўқ!* Ойбек, Навоий. *..олимларни ҳақорат қилиш ва азоблаш кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим сифатида таърифланган.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида. **Балойи азим** 1) катта бало, кулфат. *Бўтам, ношарьий байту ғазал битиб, мени балойи азимга қўйманг.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) қўлидан ҳар бало келадиган. *Қилмайдиган, билмайдиган иши йўқ – балойи азим экан.* Сўзлашувдан.

2 Азим (эркаклар исми).

АЗИМАТ [*а.* عظيمت – интилиш, ирода, қатъият, қатъий қарор] *эск. кт.* Интилиш, жазм, қасд.

Азимат қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Жазм қилмоқ. *Қочиб чиқмоға қилдилар азимат.* Лутфий. *Кобул сори гар азимат этсанг, қурбон қилай ўзни санга, эй шоҳ.* Бобур.

АЗИМКОР Ғоят катта ишларга қодир. *Каттакон йўлларда кўзингиз чароғ, Азимкор бир халқнинг зурётларисиз.* Ғ. Ғулом.

АЗИМУТ [*фр.* azimut < *а.* السموت – йўллар, йўналишлар] **1** *астр., геод.* Кузатилмоқда бўлган осмон жисми ва кузатиш нуқтаси орқали ўтказилган вертикал текислик билан меридиан текислиги орасидаги бурчак.

2 *ҳарб.* Бирор нуқтага ҳамда шимол томонга қарата чизилган икки чизиқ оралиғидаги бурчак; харитадан ва компасдан фойдаланиб аниқланадиган энг қисқа йўналиш.

АЗИЯТ [*а.* اذيت – ранж, азоб, оғриқ; зарар] **1** Руҳий ёки жисмоний эзилиш, озор, азоб. [*Қори:*] *Ундоқ бўлса, бу ерга келишдан сизга азиятдан ўзга нима хушлик бор?* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

Азият чекмоқ *(ёки* **тортмоқ***)* Азобланмоқ. [*Элмурод*] *Онасидан ажралгандан бери кун бўйи қанча азият чекди, қанча кўз ёши тўкди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Зарарли таъсир, зарар-заҳмат. *Агар шу қўрбоши ўлдирилмаганда, Мухторхонга бир азият етар экан.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Азият етказмоқ 1) шикаст етказмоқ; 2) хафа қилмоқ, ранжитмоқ. *Муборак кўнгилларига азият етказганидан қўрққанлигини сўзлаб, узр тилади.* Ойбек, Навоий.

АЗИЯТЛИ Руҳан ёки жисмонан азоб-азият берувчи. *Гўё ариқда унинг бахтиёр ҳам азиятли хотиралари оқиб кетаётгандай эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

АЗИЯТСИЗ Меҳнат-машаққатсиз, азият чекмай. *Азиятсиз бол топмоқ – турмуш кечирмоқнинг муқаддас қонунларига хилофдир.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

АЗЛ [*а.* عزل – бўшатиш, четлатиш]: **азл қилмоқ** *(ёки* **этмоқ***)* *эск. кт.* Бекор қилмоқ, четлатмоқ, бўшатмоқ (ишдан, мансабдан). *Азизбек мақсадга кўчди: Мени Тошкент ҳокимлигидан азл этмоқчи ва қўлларидан келса, ҳатто ўлдирмоқчи бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЗМ [*а.* عزم – қасд, қатъий қарор, киришиш] *кт.* Қасд, киришиш жазми, қатъий мақсад-интилиш. *Бу манба – улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир.* Газетадан.

Азм қилмоқ 1) қарор қилмоқ, отланмоқ. *У энди пойтахтга келмоққа азм қилган.* Ойбек, Навоий; 2) жазм қилмоқ, ботинмоқ. *Мен ўн йилдан бери азм қилолмай юрган бу ишга бугун жазм этдим.* А. Мухтор. Тонг билан учрашув.

АЗМКОР *кт. кам қўлл.* Азму шижоатли, азм-жазм билан ҳаракат қилувчи. *Фақат чўлнинг қиёфасигина эмас, айни вақтда уни бўйсундираётган азмкорларнинг ўзи ҳам ўзгармоқда.* Газетадан.

АЗМОЙИШ [*ф.* آزمایش – синов, текшириш; тажриба] *кам қўлл.* Синаш, билиш мақсадидаги хатти-ҳаракат. *Қизлархон тушунмади: бу киши азмойишга гапиряптими ёки гапи жиддийми?* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

Азмойиш(ини) олмоқ 1) синаш-билиш ҳаракатида бўлмоқ. *..Кечгача дала айланиб, азмойиш олиб юрди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Мундоқ азмойиш олсам, колхозчилар орасида "миш-миш" гап кўпайиб кетибди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар; 2) сир-синоатини билиб олмоқ. *..ё иш енгиллашган, ё ишнинг азмойишини олиб, кўп куч сарф қилмай, вазифасини адо этишга ўрганган.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

АЗОБ [*а.* عذاب – қийналиш, уқубат] **1** Жисмоний ёки руҳий қийноқ. *Виждон азоби. Руҳий азоб. Илгари "йўл азоби – гўр азоби" дердилар.* ▬ [*Ғуломжон*] *Юрагидаги бор дардларини, тортган азобларини бир-бир айтиб берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Иш-меҳнат қийинчилиги, машаққати. [*Хадича*] *Ўғли не-не азоб билан ясаган столлар, ўриндиқларнинг ташқарига чиқариб уйилаётган синиқларини кўриб, дод солиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Азоб бермоқ Қийнамоқ, қийноққа солмоқ. *Йўтал ёмон азоб беряпти.* ▬ *Зиндонбоннинг даромади қамалганларга азоб бериш воситаси билан улардан олинадиган 4-5 танга пулдир.* С. Айний, Дохунда. **Азоб чекмоқ** (*ёки* **тортмоқ**) Руҳан ёки жисмонан қийналмоқ. *Аёл тун бўйи азоб чекиб, тонготарга яқин кўзи ёриди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Очликдан нечоғлиқ азоб тортганини Навоий ҳам эшитган бўлса керак.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Гўр азоби** Ўта азоб, қаттиқ азоб. *Гўр азобида етиштирган пахтасини заводга келтириб, сувтекин сотади..* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ит азобида** Ниҳоятда азоб чекиб, ўта азоб билан. *Ит азобида тунни ўтказди.* С. Сиёев. Ёруғлик. **Нима азоб** Нима жазо, нега мунча қийналиш (қийналиб бирор иш қилаётган кишига ачиниб айтиладиган ибора). *-Нима азоб, дадаси, ўпкангиз қирилиб кетди-ю,– Ойшабону эрига ачиниб гапирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

АЗОБЛАМОҚ Жисмоний ёки руҳий азоб бермоқ. *Кимнинг дилида нима гап борлиги номаълум. Аммо Адолатни "уруш кимларни тул қилмаяпти" деган гап азобламоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АЗОБЛИ Азоб берувчи. *Нусратулла кейинги вақтларда бу азобли ўйлардан вақтинча бўлса ҳам қутулишнинг бирдан-бир йўлини топиб олган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

АЗОБ-УҚУБАТ Турли азоб ва уқубатлар, машаққат ва қийинчиликлар. *Улар фронтлардаги азоб-уқубат, шон ва мардлик билан тўла кунларни.. хотирлар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

АЗОЗИЛ [*а.* عزازيل – шайтон] Шайтон, иблиснинг номи. *Уламога тил тегизган азозил бу, уринглар.* Ойбек. Улуғ йўл.

АЗОН [*а.* اذان – намозга чақириш] **1** *дин.* Намоз ўқишга чақириқ. *Масжиддан шом азони эшитилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Шукур сўфи мезанага чиқиб, азон айтди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Тонг ёришиш, ғира-шира пайти; эрта тонг. *-Шу бўйи туни билан йиғлаб чиқибди, сўнг, "сендай эрга теккунча, қора ерга тегиб кўя қолай" деб, азонга яқин бир илож қилиб қочибди, – деди Давлатёр.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Қулоғига азон айтмоқ *этн.* Янги туғилган чақалоқнинг қулоғига тегишли дуоларни ўқимоқ. *Катта бобоси унинг қулоғига азон айтиб, танглайини кўтарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Сўфи азон айтмасдан** Жуда барвақт, тонг саҳарда. *Сўфи азон айтмасдан нима қилиб юрибсан?* ▬ *Кунлардан бир кун, сўфи азон айтмасдан, ўрнимдан туриб..* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

АЗОНДА *рвш.* Эрта тонг билан, тонготар пайтда. *Эрта билан азонда ўрнидан бошини кўтаради-ю, онасининг иш саватчасига ёпишади.* Ойдин, Бечора.

АЗОНЛАБ *айн.* **азонда.** *Боғ ичидаги узун курсида азонлаб келган Умид кутиб ўтирарди.* Мирмуҳсин, Умид.

АЗОНЧИ *с. т.* Муаззин, сўфи. *Минорада азончилар айтар азон..* Ойбек, Зафар ва Заҳро.

АЗОТ I [*фр.* azot <*юн.* а – йўқ (инкор) + zoos – тирик)] Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб, рангсиз ва ҳидсиз кимёвий элемент, ўсимликлар озиқланишида муҳим аҳамиятга эга.

АЗОТ II: **азот кўтармоқ** *с. т.* Даст кўтармоқ, тик кўтармоқ. *-Ёрдамингиз учун катта раҳмат! — деди Турсуной ва юкни ердан азот кўтарди-да, кифтига қўйиб жўнаб қолди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

АЗОТЛАМОҚ Азот ёки азотли моддалар билан тўйинтирмоқ, бойитмоқ. *Тупроқни азотламоқ. Пўлатни азотламоқ.*

АЗОТЛИ Таркибида азот бўлган. *Азотли ўғитлар.*

АЗРОИЛ [*а.* عزرائيل – ўлим фариштаси] Ислом динида тўрт бош фариштадан бири, жон олувчи фаришта; ажал фариштаси. *-Гарданимдаги қарзларимни узгунимча, Азроил жонимни олиб қўймаса эди,— деди қарзга ботган киши афандига.* "Латифалар".

АЗТАҲИДИЛ [*ф.* از ته دل – бутун қалбнинг, юракнинг тубидан] *эск. кт. айн.* **астойдил.** *..Азтаҳидил Анварнинг қасдига тушганки, бунда шубҳа йўқ.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АЙ *айн.* **эй.** *Ай сиз, менинг кичик дўстларим.* З. Диёр.

АЙБ [*а.* عيب – нуқсон] **1** Расм-қоидага ёки одоб-ахлоқ меъёрларига хилоф иш, хатти-ҳаракат; гуноҳ. *Ўз айбига иқрор бўлмоқ. Айбини бўйнига қўймоқ. Айбини яширган ўнгмас.* Мақол. ▬ *У Ойқизнинг ёнига келдида, айбига иқрор бўлган гуноҳкордек, маъюслик билан гапирди.* Ш. Рашидов. Ғолиблар.

Айб қилмоқ Айб содир этмоқ, айбли иш қилмоқ.

2 *ҳуқ.* Қонунга хилоф хатти-ҳаракат; жиноятга тортишнинг зарур шарти. *Тўрт нафар ҳарбий Ватанга хиёнат қилишдаги айби учун судга тортилди.* Газетадан.

3 Киши уяладиган, хижолат тортадиган хатти-ҳаракат; уятли иш, уят. *Сўраганнинг айби йўқ.* Мақол. *Орзуга айб йўқ.* Мақол. ▬ [*Холисхон Тожибойга:*] *Қўйинг, хафа бўламан. Бу ўзимнинг укам, айб бўлади.* Ҳамза, Холисхон.

Айбга буюрмайсиз. Айб ҳисобламайсиз (бирор иш, хатти-ҳаракат учун кечирим, узр маъносида қўлланади). *Айбга буюрмайсиз, ўғлим меъморликни ўргансин, отасидек сангтарош бўлиб қолмасин, дедим.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Энди, меҳмонлар, айбга буюрмайсизлар, менинг қиладиган ишим, борадиган ерим кўп.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Энди, айбга буюрмайсиз, негадир кўнглим сизга тортди, ука.* Газетадан. **Айбга қўшмайсиз** *айн.* **айбга буюрмайсиз**. **Айб қилмоқ** 1) айбли, уятли иш қилмоқ. *Айб қилдингми, узр сўра*; 2) айб (айбли) деб қарамоқ, уят қилмоқ *Ундай қилма, одамлар айб қилади*; 3) айб қилмайсиз. *айн.* **айбга буюрмайсиз**. *Канизак дастурхон ёзиб, овқат келтирди. У бир коса ошни Самандаровнинг олдига қўяр экан: -Айб қилмайсиз-да, Мақсудали ака, холам сўк оши қилибдилар, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Меъёрни, одатий ҳолатни бузувчи белги-ҳолат, нарса; камчилик, нуқсон. *Ҳар тўкисда бир айб. Бировнинг айбига кулмагил зинҳор, сенинг айбингга ҳам кулгучилар бор.*

АЙБАКИ [*а.+ф.* عيبكي – айби, нуқсони бор] Сифати паст, жўн чарм. *Айбаки маҳси.* ▬ *..оёғида эскироқ айбаки теридан тикилган этик.* Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

АЙБДОР 1 *от* Айб иш қилган киши; гуноҳкор. [*Ота*] *Болалари олдида айбдордек, ҳўл ўтин вишиллаб сасиётган ўчоққа тикилади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *от, ҳуқ.* Жиноий иш қилган, қонунга хилоф иш қилган, жиноий жавобгар киши. *Навбатчи милиционер айбдорни олиб чиқиб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Айбдор ва лоқайд раҳбарларга нисбатан муросасизлик қилиб келинган.* Газетадан.

3 *сфт.* Жисмоний жиҳатдан камчилиги, нуқсони, иллати бор; айбли. *Айбдор қиз.* ▬ *-Бир кўзидан айбдорми? — Шунақа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЙБЛАМОҚ 1 Айбли деб топмоқ, айб қўймоқ. *Биров у деди, биров бу деди, ким келинни айблади, ким – куёвни.* Газетадан. [*Тантибойвачча*] *Қизни олиб қочганда, эҳтиётсизликда, бўшангликда қора Аҳмадни айблади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *ҳуқ.* Жиноий айб қўймоқ. *Ўша вақтларда маҳаллий раҳбарларни айблашга баҳона топилмай қолганда, уларнинг фарзанд-

лари ва қариндош-уруғларини туҳмат билан қамашарди. Газетадан.

АЙБЛАНУВЧИ 1 Айбланмоқ фл. сфдш.

2 *ҳуқ.* ЎзР Жиноий-процессуал кодексида белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида айблов қарори чиқарилган шахс.

АЙБЛИ *айн.* **айбдор 1**, **3**. *Чолнинг юрак яраларини очишда ўзини айбли санаган Йўлчининг кўкраги оғир туйғулар билан тўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нафсамбирини айтганда, биз ўзимиз айбли.* А. Қодирий, Обид кетмон.

АЙБЛОВ 1 Айбламоқ фл. ҳар.н.

2 *ҳуқ.* Муайян жиноий ишни қилганликда айбланган шахснинг айбдорлигини исботлаш учун қилинган ҳаракат.

Айблов хулосаси Жиноят юзасидан тергов натижасида аниқланган ҳолатлар ва айб мазмуни баён этилган ҳужжат.

3 *ҳуқ.* Айблаш қайди, айб (айблар) қайд этилган (нарса). *Айблов қоғози.* ▬ *Судланувчилар устидан чиқарилган айблов ҳукми қанчалик оғир ва аёвсиз бўлмасин..*"Муштум".

АЙБЛОВЧИ 1 Айбламоқ фл. сфдш.

2 *ҳуқ.* Судда жиноий иш юзасидан айблов фикрини қувватловчи шахс. *Давлат айбловчиси. Жамоат айбловчиси.*

АЙБНОМА 1 Умуман айбни кўрсатувчи, қайд этувчи ёзма баён, шундай вазифани бажарувчи ҳужжат. *"Оқ қон" рангли фильми атом қуролини ишлатишга зўр бериб уринаётганларни фош қилувчи сиёсий айбномадир.* Газетадан.

2 *ҳуқ.* Жиноий айбнинг ёзма баёни. *Айбноманинг хулосасида айбдорларнинг ҳаммаси тергов давомида ўз жиноятларига иқрор бўлганлиги айтилади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

АЙБОНА *эск.* Жамоат тартибини бузганлик, ахлоқсизлик, етказилган зарар кабилар учун ундириладиган (тўланадиган) жарима; товон. *Айбона тўлаш.* ▬ *Эгамберди, шу буғдойнинг вазнига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўш!* А. Қодирий, Обид кетмон.

АЙБСИТМОҚ Айб топмоқ, айб тақмоқ. У *нимадан айбситишни билмай юрибди.* ▬ *Айб ҳаммамизда бор.. Лекин ҳозир айбситиб ўтирадиган пайт эмас.* М. Мансуров. Ёмби.

АЙВОН [*а.* ایوان – қаср; олди очиқ бино] Кўпинча уч томони берк, олди очиқ хона. *Ўзганинг тоқу равоқидан ўзингнинг айвонинг яхши.* Мақол. ▬ *Уйнинг орқаси ҳам бир замонлар шунинг сингари уй бўлса керак, лекин бузилгандан кейин, олди деворни олиб ташлаб, айвон қилинибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Жаҳон айвонида *поэт.* Оламда, дунёда, жаҳонда. *..Йўқ жаҳон айвонида онинг киби шўху зариф.* Аваз.

АЙЁМ [*а.* ایّام – кунлар] **1** *кт.* Кун; кунлар. *Бугун ҳар биримиз учун қутлуғ айём.* "Муштум".

2 Байрам куни; байрам кунлари. *Улуғ айём. Айёмлари (айёмингиз) муборак!*

3 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар билдирган вақт, фасл ва ш.к. га оид он, кун, кунларни билдиради. *Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса..* Фурқат. *Йигитликнинг айёмини ёд қил.* А. Навоий. *Шукр қил, ҳижрон туни ўтгач, келур айёми васл.* Воқиф.

Айёми ажуз Қишнинг охирги ҳафтаси. *Айёми ажуз олти кун, қаҳр айласа – қаттиқ кун.* Мақол.

АЙЁР [*а.* عیّار – муғамбир; ялангоёқ, бекорчи] **1** *сфт.* Макр-ҳийлага уста; муғамбир, фирибгар. *Айёр бой. Айёр тулки.* ▬ *Тулкини алдаб соғурлар, Турфа айёрдир тўрам.* "Муштум". *Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам: ҳамма бойлар каби айёр..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *сфт.* Макр-ҳийла ифодаси бўлган; маккорона. *Айёр боқиш. Айёр табассум.* ▬ *Бек айёр кўзларини Раззоққа қаратди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *от* Ўзбек халқ достонларида: ҳийлагар; айғоқчи. *Шу орада Алпомиш Қалмоқшоҳнинг айёрларини ўтда куйдириб юборди.* "Алпомиш".

АЙЁРЛИК Айёрона иш, хатти-ҳаракат; қувлик. *Назаримда, Турдиев нимжон, ҳеч қандай айёрлик қўлидан келмайдиган, содда кўринди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

АЙЁРОНА *рвш.* Айёрлик билан, қувлик билан, айёрларча. *У айёрона кулиб қўйди.* ▬ *Комил унинг айёрона боқиб турган кўзларига тикилди.* "Ёшлик".

АЙИЛ Эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган тўқали қайиш. *Айилни тортиб қўймоқ.* ▬ *Ҳеч ким ҳориган отларининг айилини бўшатмади, қуролиниям қўлдан қўймади.* "Ёшлик".

Айил ботмоқ Қаттиқ тегмоқ, оғир ботмоқ, ранжитмоқ. *Айтган гапларим.. айил ботган бўлса, узр, Қумри келинойи.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Айил ботадиган жойи шундаки, ўз айбларини яшириш, одамлар фикрини чалғитиш ниятида софдил кишилар устидан тухматлар уюштирди.* "Муштум". **Айил маҳкам** *с.т.* Қорин тўқ. *Ҳа, оғайни, айил маҳкамми, ҳеч нарса емаётирсиз?*

АЙИРБОШ: **айирбош қилмоқ** *айн.* **айирбошламоқ.** *Муҳаббат виждонни латта-путтага айирбош қилди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

АЙИРБОШЛАМОҚ 1 Бошма-бошига ёки бошқа бирор шарт билан бирор нарсани алишмоқ, алмашмоқ, алмаштирмоқ. *Сотишга ва айирбошлашга ярайдиган нарсалар ҳам соп бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Янгиламоқ, ўзгартирмоқ. *Ишдан кейин кийимларни айирбошламоқ.*

АЙИРБОШЛАШ *иқт.* Кишиларнинг меҳнат фаолияти ёки маҳсулотларини ўзаро алмаштиришлари.

АЙИРГИЧ Айириш, бўлиш, тақсимлаш учун хизмат қилувчи асбоб, мослама, қурилма. *Ўнлаб сув айиргич иншоотлар.. қурилиб ишга туширилди.* Газетадан.

АЙИРИШ 1 Айирмоқ фл. ҳар. н.

2 *мат.* Тўрт арифметик амалнинг бири: бир сондан бошқа сонни олиб ташлаш.

Айириш белгиси 1) *мат.* бир сонни иккинчи сондан олиниши кераклигини кўрсатадиган ишора; минус (−) белгиси; 2) *тлш.* айириш белгиси (ъ) номи.

АЙИРМА 1 Бирида бор, бошқасида йўқ белги-хусусият, ажаратувчи белги-хусусият; фарқ, ўзгачалик. *Бир хил шароитда ишланиб.. тупроғининг табиати бир хил бўлган икки ер турлича бўлмайди. Буларнинг орасида қандайдир бир айирма бор.* С. Айний, Қуллар.

2 *мат.* Айириш натижасида юзага келган сон. *Беш билан учнинг айирмаси − икки.*

АЙИРМАЧИ 1 Бир хил, тенг муносабатда бўлмайдиган, кимгадир бошқача кўз билан қарайдиган (киши).

2 *сиёс.* Айирмачилик тарафдори, айирмачилик йўлини тутувчи шахс. *..Қайта қуриш йўлидаги курашчилар билан айирмачилар айнан бир хил тарзда талқин этилмоқда.* Газетадан.

АЙИРМАЧИЛИК 1 Бир хил, тенг муносабатда бўлмаслик, кимларгадир бошқача кўз ("ўгай кўз") билан қараш. *Бу ерда айирмачилик йўқ, тақсир.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *сиёс.* Кўпчиликдан ажралишга интилиш, шундай хатти-ҳаракат.

АЙИРМОҚ 1 Бутунни бўлмоқ, таркибий қисмларга бўлмоқ, бўлакламоқ. *Тухум сариғини оқидан айирмоқ.*

2 Турига, навига қараб бўлмоқ, ажратмоқ. *Тўй бекаси, Мирзакаримбойнинг хотини, аёлларни уч гуруҳга айирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Хиллаб алоҳидаламоқ. *Бобо Қамбар дуторга лойиғини айириб олиб, йўниб чархлаяпти..* "Юсуф ва Аҳмад".

4 Узоқлаштирмоқ, ажратмоқ. *Болани кўкракдан айирмоқ.* ■ *-Майли, ойи, сиз мани беш-ўн кун бағрингиздан айирманг. Орзум шу.. − деди Гулнор.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фиғонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдан.* Фурқат.

5 Маҳрум қилмоқ, жудо қилмоқ. *Уни ёр олдига кириш минутининг яқинлиги, ёр нафасининг яқинлиги эс-ҳушидан айираёзган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир гал тарк эт, фалак, удуминг − ошиқдан айирма маъшуқни.* А. Шер, Қадимги куй.

6 Ажрата билмоқ, фарқига бормоқ. *-Ман, ман! Дардингда куйган дадангман! − Гулнор* ўз *дадасининг товушини базўр айира билди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ясама кароматчининг иситма билан ошқозон касалини айира олмаслигини қаёқдан билсин.* "Муштум".

7 Орага тушиб ажратмоқ. *Сўз таъсир қилмагач, ўзи [домла] оломон орасига кириб, одамларни айира бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 Айирмачилик қилмоқ, турли кўз билан қарамоқ. *Биз миллат айирмаймиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

9 *мат.* Айириш амалини бажармоқ, бир сондан иккинчи сонни олмоқ, ажратмоқ. *Ўттиздан ўн бешни айирмоқ.*

АЙИРУВ Айирмоқ фл. ҳар. н.

Айирув боғловчилари *тлш.* Уюшиқ бўлаклар, шунингдек, қўшма гап қисмлари билдирган нарса-ҳодисалардан бири бўлишини (борлигини) ёки улар галма-гал бўлишини билдирувчи боғловчилар: *ё..*, *ёки..*; *баъзан..*, *баъзан..* ва б.

АЙИҚ Пахмоқ юнгли, бесўнақай, катта, сутэмизувчи йиртқич ҳайвон. *Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер.* Мақол.

Айиқ полвон 1) айиқнинг лақаби; 2) бесўнақай, қўпол одамга нисбатан қўлланади.

Катта Айиқ, *айн.* **Етти оғайни** *(ёки* **қароқчи**) *қ.* **етти**. **Кичик Айиқ** *айн.* **Кичик Етти оғайни** *(ёки* **қароқчи**) *қ.* **етти**.

АЙИҚМУРУТ Раънодошлар оиласига мансуб паст бўйли дарахт (нокнинг бир тури).

АЙИҚТОВОНДОШЛАР Иккипаллалилар синфининг айритожлилар кенжа синфига мансуб, асосан кўп йиллик ўсимликлар оиласи.

АЙИҚТОВОНЛАР Айиқтовондошлар оиласига мансуб, асосан кўп йиллик ўсимликлар туркуми.

АЙЛАМОҚ *эск. кт.* **1** Қилмоқ. *Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт..* А. Орипов.

2 *ёрд. фл.* Қўшма феъл ясайди. *Шод айламоқ. Сайр айламоқ. Сабр айламоқ.*

АЙЛАНА 1 *от* Теварак, атроф. [*Жамила ўз-ўзига:*] *Мени бу темир қафасга солдилар, ихтиёримни ўзимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қоровуллар бор.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 *от геом.* Ҳамма нуқталари марказдан баравар узоқликда бўлган ёпиқ эгри чизиқ. *Айлананинг узунлиги. Айлана чизмоқ.*

3 *сфт.* Доиравий, тўгарак, ғилдирак шаклидаги. *Айлана йўл.* ▬ *Айлана клуб деворлари турли шиорлар ёзилган қизил сатинлар билан зийнатланган.* А. Қодирий, Обид кетмон.

АЙЛАНАЙ 1 Айланмоқ фл. 1-ш. буйр. м.

2 *унд. с.* Садағанг кетай, қурбон бўлай; ўргилай (эркалаш, суйиш ва ш.к. муносабатни билдиради). *Вой, Тўлажонимдан айланай! Вой, шундай шеърлар ёзган ўғилжонимдан ўргилай.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

3 Эркалатиш ёки ҳурмат ифодаловчи мурожаат шакли. [*Сифатбуви Жамилага:*] *Айланай, қизим, наҳотки бошингга давлат қуши қўнса-ю, уни калтаклаб, ўзинг қувласанг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

АЙЛАНАСИДА *кўм. взф.* Теварагида, атрофида. *Шаҳар айланасида.*

АЙЛАНИБ-ЎРГИЛМОҚ Айланай, ўргилай, дея парвона бўлмоқ. *Ўзбек ойим ҳам уни* [*Кумушни*] *маҳкам сиқиб қучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб-ўргилар ва тикилиб-тикилиб, нима учундир йиғлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЙЛАНИШ 1 Айланмоқ фл. ҳар. н. *Ернинг айланиши. Чўғнинг кулга айланиши.*

2 Тўғри йўлдан четдаги, айланиб ўтадиган, айланма. *Айланиш йўл.* ▬ *У апил-тапил кийинди-да, айланиш бўлса ҳам, Қашқатовнинг бағри билан юқоридан кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Пул айланиши Пулнинг муомалада юриши. *..жойларда пулли хизмат кўрсатиш ишлари ниҳоятда сусткашлик билан амалга оширилаётир. Бу эса пул айланишини секинлаштирмоқда.* “Меҳнат”.

АЙЛАНИШМОҚ 1 Айланмоқ фл. бирг. н. *Даврани тўрт айланишди ҳамки, жувон ёнбош бермади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Бирор ерда ёки бирор иш билан овора бўлиб, тутилиб қолмоқ, бирор ерда айланиб, ўралишиб юрмоқ. [*Ҳакимбойвачча:*] *-Эрталаб келган эдим. Банкда айланишиб қолдим, — деди-да, сўзлаб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Асосий, одатдаги бўлмаган бирор ишнарса билан шуғулланмоқ. *Қиморга айланишмоқ. Бозорга (савдога) айланишмоқ.*

4 Бирор нарса илинжида ораламоқ, пайдо бўлмоқ; ораламоқ. *Бегона кишилар айланишиб қолди.*

5 *манф.* Бирор кимсанинг илинжида бўлмоқ; илакишмоқ. *Унинг* [*Шарофатнинг*] *назарида, бу тахминлардан ҳақиқатга яқинроғи Сидиқжоннинг “шу жувон ўлгур” Канизакка айланишиб қолганлиги эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АЙЛАНМА 1 *сфт.* Айлана шаклида бўлган, доира шаклидаги, доиравий, ҳалқасимон. *Айланма темир йўл.*

Айланма ҳаракат *физ.* Доиравий ҳаракат, айлана бўйлаб йўналган ҳаракат.

2 *сфт.* Тўғри йўлга нисбатан узоқроқ ва чалкаш, айланиш.

Айланма йўл 1) тўғри йўлдан узоқроқ, чалкаш йўл. *Эҳтиёт юзасидан тўғри йўлни қўйиб, айланма йўллар билан намозгар вақтида Шоқосимникига бошлаб келди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) доиравий, ҳалқа шаклидаги йўл.

3 *от* Трамвай ва ш.к.нинг айланиб, орқага қайтадиган жойи. *Трамвай айланмаси. Троллейбус айланмаси.*

4 *от* Дарё, денгиз ва ш.к. нинг кўпинча қарама-қарши оқимлар тўқнашадиган жойларида сувнинг уст қисмида содир бўладиган уюрма ҳаракат, шундай ҳаракатли жой.

5 Муомалада юрадиган (пул, маблағ ва ш.к. ҳақида). *Корхоналар қачонгача.. касодга*

учраган молларини қалаштириб ташлаб, яна айланма маблағлар беришни сўраб, ялиниб юрадилар. Газетадан.

АЙЛАНМАЧОҚ 1 *сфт.* Айланиш ва бурилиш жойлари кўп, айланма, чалкаш. *Айланмачоқ йўлларда кўринмай кетган қизлар лип этиб яна кўзимизга чалинди.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

2 *от* Қиз болаларнинг коптокни ерга уриб ва айланиб, уни ерга туширмай ўйнайдиган ўйини. *Айланмачоқ ўйнамоқ.*

АЙЛАНМОҚ 1 Ўз ўқи ёки бирор нарса теварагида ҳаракат қилмоқ, айлана бўйлаб давра олиб юрмоқ. *Ер ўз ўқи атрофида айланади.* ▬ *Жувон даврани уч айлангандан кейин ўзи сингари кийинган бир йигитни тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Сайр-томоша ёки бошқа мақсадда кезмоқ. *Ғуломжон.. шаҳар айлангани кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тирикчилик ўтказиш учун Юсуфжон қизиқ Туркистонни, Қозоғистонни айланиб чиқди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Эрталаб қурилишга келганда, энг аввал ҳамма участкаларни айланиб чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Бирор ерда ёки доирада ўралашиб юрмоқ; айланишмоқ. [*Абдишукур*] *Татар савдогарлари орасида айланаркан, уни-буни таниди.* Ойбек. Танланган асарлар.

4 *иқт.* Муомалада бўлмоқ, юрмоқ. *Капиталнинг айланиши.*

5 Бошқа нарсага, бошқа ҳолатга ўтмоқ. *Сув музга айланди. Ёмғир аста-секин қорга айланди. Овацияга айланган давомли қарсаклар.* ▬ *Мирзаев шу куни жуда зерикди. Бу зерикиш кечқурунга бориб диққатликка айланди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

6 (айрим сўзлар билан) Тусини касб этмоқ, шундай бўлмоқ. *Ҳар йили бувимни эслаш, худди шу куни амма-амакилар йиғилиши одатга айланган.* Газетадан. *Келажакда эса бу макон ислом аҳли учун муқаддас қадамжо ва ғоят гўзал зиёратгоҳлардан бирига айланишига ишонч билдирди.* Газетадан.

Боши айланмоқ 1) мувозанатини йўқотиб, ҳаммаёқ айланаётгандай, чайқалаётгандай туюлмоқ. *Ботирали айвон устунига суяниб ўтирди-ю, кўзи тиниб, боши айланиб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) *кўчма* нима қиларини билмай, эсанкираб, гангиб қолмоқ. *Дастгоҳларни кўриб, аввал бошимиз айланиб қолди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Айланиб ўтмоқ** 1) бирор нарсанинг атрофи билан ўтмоқ. *Бинони айланиб ўтмоқ*; 2) ҳисобга олмаслик, четлаб ўтмоқ. *Улар қонунни маълум даражада билишади, аммо ўзларига боғлиқ масалаларда уни айланиб ўтишга ҳаракат қилишади.* Газетадан. **Гап айланиб** Гап гапга уланиб, гапдан гап чиқиб. *Гап айланиб, бригадалар ишига кўчди.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. **Гап айланмоқ** Гап қўзғалмоқ, гап юрмоқ. *Яна шу ҳақда гап айланиб қолди.* **Тили айланмай қолди** Тили лол бўлиб қолди, тили гапга келмай қолди. **Ҳаво айланиб турибди** Ҳаво ёғадигандай булутланиб турибди.

АЙЛАНСИН 1 Садақа кетсин, ўргилсин. *-Ашула сиздан айлансин, эшон, айтиб беради, бир оз нафасини ўнглаб олсин, — деди Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эркалатиш ёки ҳурматни ифодалайди; ўргилсин, тасаддуқ. *Онанг (ёки онаси) айлансин. Акагинанг айлансин.*

АЙЛАНТИРМОҚ 1 Айланмоқ фл. орт. н. *Ҳазилни чинга айлантирмоқ. Парракни айлантирмоқ. Шаҳар айлантирмоқ. Капитални айлантирмоқ.* ▬ *Унсин онасидан ёдгор қолган ва ягона зийнати бўлган юпқагина эски кумуш билагузукни айлантириб гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир томондан иккинчи томонга ағдармоқ, бошқа томонини ўгирмоқ, тўнкармоқ;. *Шкафни айлантириб қўймоқ.* ▬ [*Ҳасанали*] *Бу икки турли масаланинг ўнг-терсини айлантириб муҳокама қилди ва ўлчади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 с. *т.* Гап билан чалғитмоқ, лақиллатмоқ.

Айлантириб келганда Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи. *Айлантириб келганда бир соатлик иш экан.* **Айлантириб ташламоқ** Бошдан айлантириб, ўгириб садақа қилмоқ. **Айлантириб туширмоқ** Кулочкашлаб урмоқ. **Бошни айлантирмоқ** 1) гангитмоқ, мияни ғовлатмоқ, каловлатмоқ. *У ерда отлар, аравалар, туяларнинг шовқини.. нонвойларнинг қичқиришлари бир-бирига қўшилиб, аллақандай маъносиз, бошни айлантирадиган доимий бир ғовур-ғувур ясайди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) эс-ҳушни олиб қўймоқ, мафтун қилмоқ; 3) йўлдан оздирмоқ, аврамоқ, алдамоқ. [*Мақсуд Ялангтўшга:*] *Оғайни, мен қора одамман. Занғар Ёдгорбек бошимни айлантирган экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

Гапни айлантирмоқ Гапни чўзмоқ; гапни бошқа томонга бурмоқ, чалғитмоқ. *Саодатхон орзиқиб жавоб кутар, Тожибой ака бўлса, аниқ жавоб бермай, гапни айлантирар эди.* С. Зуннунова, Олов. *Гапни кўп айлантирмасдан, очиғини айтиб қўя қол.* О. Ёқубов.

АЙМАШМОҚ Ўралиб олмоқ, чирмашмоқ, чирмалмоқ. *Теракка аймашган ток. Печакгул дарахтга аймашибди.*

АЙМОҚ I Мўғул ва туркий халқлар қадимий уруғларининг парчаланишидан келиб чиққан турли тармоқдаги ўзаро қон-қардош оилалар бирлашмаси, иттифоқи.

АЙМОҚ II эс*к. кт.* Айтмоқ, демоқ. *Айди, эй, бечора, қилдинг на учун тарки ватан?* Фурқат.

АЙМОҚИ Дарахтларга чирмашиб ўсадиган (ток ҳақида). *Фақат бақатерак учларидаги аймоқи узумларгина қолди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

АЙНАМА *кам қўлл. айн.* **айнамачи 1**. *Бўшаштирманг теримни ҳаргиз, Куз — айнама, серқилиқ осмон.* Ойбек, Қизлар.

АЙНАМАЧИ *айн.* **айнимачи**. *Айнамачи кузнинг қилиқларига биз халқнинг уюшқоқлигини, фидокорлигини қарши қўямиз.* Ойбек, О. в. шабадалар.

АЙНАМОҚ *айн.* **айнимоқ**. *Ранги бир қадар айнаган гиламча..* Ойбек, Танланган асарлар. *-Қиз айнаб қолмаганмикин-а, — деди Ўктам бошқаларга сал кўзини қисиб.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Адолат билан ҳам бир оз яхши гапиришиб ўтирди. Кейин бирдан айнаб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Баракалла, Марғилонга келиб, бу гапдан айнадингизми-а? — Айнадим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳаво айнамоқчи, — деди у секин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЙНАН [*а.* عيناً — худди ўзи] *рвш. кт.* **1** Қандай бўлса, шундай, ҳеч қандай ўзгаришсиз. *Айнан таржима.* ■ *Элмурод жавоб бериш учун кўп ўйлаб турмади. Илгари бўлган воқеани бугунга айнан кўчириб айтиб қўя қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *юкл.* Худди. *Отасининг айнан ўзи.* ■ *Айнан ҳуқуқий маълумотнинг етишмаслиги кўплаб ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келмоқда.* Газетадан. *Марям характерининг яна аллақандай жиҳатлари очилмай қолгандек. Айнан қайси жиҳати — ҳозир аниқ айтолмайман.* Газетадан.

АЙНИ [*а.* عينى — жиддий, муҳим; худди] **1** *олм.* Нарса, ҳодисага ишора қилади; худди шу (ўша). *Ашула ниҳоятига етди. Лекин бир зумдан кейин яна айни товуш парвоз қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чол айни саволни Матюнусга ҳам берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Айни кунларда республикамизнинг барча вилоят ва туманларида пахта терими қизғин давом этмоқда.* Газетадан.

2 *юкл.* Таъкид-кучайтиришни ифодалайди; худди, роса. *Имтиҳон айни қизиган кунлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Айни пайти. Темирни қизиғида босинг, Қамчивой!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Айни замонда 1) шу вақтнинг, шу палланинг ўзида; 2) *крш. с. взф.* шу билан бирга, шунинг билан бирга.

АЙНИМАЧИ 1 Бир маромда турмайдиган, ўзгарувчи, беқарор. *Айнимачи ҳаво.*

2 Бир фикрда қатъий турмайдиган, бетайин, субутсиз. *..ишчилар ҳаракатининг тепасига ҳар турли айнимачиларни ва авантюристларни қўйишга уриниб, дўқ-пўписани амалга оширмоқдалар.* Газетадан.

АЙНИМОҚ 1 Ранг-туси, сифатини йўқотмоқ, эскирмоқ; ўнгмоқ. *Айниган эски гимнастёркаси ҳам сувга чайқалгандай жиққа ҳўл.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Асл белги-хусусиятини, софлигини йўқотмоқ (нав, насл ва ш.к. ҳақида). *Илгариги қизилуруғ, босволди қовунлар йўқ. Ҳаммаси айниган. Насл айнимасин десанг, ҳар уч йилда қўчқорни алмаштир.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Соф (одатий) ҳолати ёмон томонга ўзгармоқ. *Ҳаво айниди.* ■ *Замона айниди.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Истеъмолга яроқсиз бўлмоқ; бузилмоқ (егулик-ичгуликлар ҳақида). *-Йўқ, — деди онаси, — чой айниб қолади, келишгандан кейин дамларсан..* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Турсунбой ота, эчкининг гўшти айниб қолмасдан, хотинига мушкулкушод ўқитгани эшон аяни уйига чақирганди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

5 Тўғри фикрлаш, сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ, шу жиҳатдан аҳволи оғирлашмоқ. *Беморнинг аҳволи дуруст эди, лекин кечга бориб айниди.* ■ *Бу айниган чолни олиб бориб, зиндонга солинглар.* "Юсуф ва Аҳмад".

6 Хулқ-атвори, одоб-ахлоқи жиҳатидан ёмонлашмоқ, ёмон томонга ўзгармоқ; бузилмоқ. [*Музаффар Дадавойга:*] *Вақтида жуда хурсанд бўлганмиз! Сиз билан фахрланганмиз. Аммо кейинги йилларда айниб қолдингиз, димоғингиз кўтарилиб кетди, кўзингизни ёғ босди.* Уйғун, Навбаҳор.

7 Одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиб кетмоқ, одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари гапларни гапира бошламоқ. *Буни қаранг, ёмғирда қолган мушукнинг ҳиди келади! — Айнима, айнима! — деди йўғон бир товуш.— Ёмғирда қолган мушукни ҳидлаб кўрганмисан?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 Фикрини, ниятини ўзгартирмоқ, ниятидан, сўзидан қайтмоқ. *-Ўртоқ командир танкист бўлар эмишлар,— деди Тожихон кулиб.— Учувчи бўлишдан айнибдилар.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Арслонқул.. баъзи оғайниларини қидирмоқчи бўлди, лекин яна айниди.* Ойбек, Навоий. *Ҳожи хола пулни кўрди-ю, яна айниб қолмасин деб, қўлидан юлиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

9 Алоқани узмоқ, кечмоқ. *Биздан айниб, бошқа ишга ўтиб кетди. Мижозлар айниб, келмай қўйишди.*

Кўнгли айнимоқ 1) кўнгли беҳузур бўлмоқ, кўнгли озмоқ, қайт қилгиси келмоқ; 2) феъли озмоқ, аччиғи чиқмоқ. **Мияси айниб қолган** Эси-ҳуши жойида эмас, эси кирарли-чиқарли бўлиб қолган. **Феъли айнимоқ** 1) асаби қўзғамоқ; 2) жаҳли чиқиб, кайфияти бузилмоқ.

АЙНИЯТ [*а.* عينيّت — айнан ўзи эканлик, ўхшашлик] **1** *кт.* Айнан ўхшашлик, бир хиллик.

2 *мат.* Таркибидаги барча ҳарфий белгиларнинг ҳамма қийматларида ҳам бузилмайдиган тенглик. *Тригонометрик айниятлар.*

АЙНИҚСА *мод.с.* Ўзи боғланиб келган сўз билдирган шахс ёки нарсани алоҳида қайд этади; хусусан. [*Йўлчи*] *Ёрматни, айниқса, Гулсумбибини ўйлаб, уларга ачинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..Қизнинг чеҳрасида Гулнорнинг руҳини кўрди: юз бичими, айниқса, кўзларининг ички маъноси ва жилваси Гулнорни ёдлатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Жуда ҳам, ғоят даражада, бениҳоят. *Атом энергиясидан фойдаланишнинг истиқболи айниқса кенгдир.* "Фан ва турмуш".

АЙРАМ *шв.* Оқар сувнинг энг чуқур жойи.

АЙРИ 1 *сфт.* Бирор жойидан иккига тармоқланган. *Айри йўл. Айри ёғоч.* ▬ *..рўпарадаги баланд тераккнинг айри шохида қағиллаб турган ола ҳаккага анграйиб қолган эди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

2 *сфт. кам қўлл.* Бири-бирига зид, қарама-қарши. *Уларнинг гапи айри чиқди. Гапи билан иши айри чиқиб қоляпти.*

3 *кам қўлл.* Бирга эмас, алоҳида, бўлак. *Дастурхонга.. гуручи айри, гўшти айри, моҳирлик ила тайёрланган палов келтирилди.* Ойбек, Нур қидириб.

Айри тушмоқ Алоҳида, ажралган ҳолга тушмоқ, биргаликдан узилмоқ. *Ҳазрат билан айри тушиб қолган эдик. У киши Афғонистонга кетган эдилар.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

4 *от* Икки шохчали таёқ, ёғоч; тиргак. *Шафтоли шохларига айрилар қўйилди.* ▬ *Баъзи ғўзалар айри билан тираб қўйилган.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

5 *от* Беда, пичан, похол кабиларни кўтариш, ёйиш, тўплаш учун паншаха ўрнида ишлатиладиган икки шохли, узун сопли асбоб. *Ёғоч айри. Темир айри.* ▬ *Майданников айрида бир қучоқ жавдар похол олиб келаётган эди.* М. Шолохов, Очилган қўриқ.

Айри туёқлилар *зоол.* Туёқлари баб-баравар иккига айрилган сутэмизувчи ҳайвонлар туркуми, қўш туёқлилар. **Айри туя** Икки ўркачли туя.

АЙРИБОШ: айрибош қилмоқ *қ.* **айирбош** (**айирбош қилмоқ**). *..бошқасига айрибош қилиб беринг...* С. Аҳмад, Ҳукм.

АЙРИЛИК 1 Бирга бўлмаган, алоҳида ҳолат.

2 Ўзгалик, бошқачалик.

3 Айрига мос, айри қилса бўладиган (*қ.* **айри 5**).

АЙРИЛИШ 1 Айрилмоқ фл. ҳар.н. *Дўстдан айрилиш.*

2 Йўлнинг тармоқланган жойи. *Айрилиш келиб қолди. -Қаёққа юрамиз? — деди Сидиқжон унинг кўзига қараб. -Ўнг қўлга,— деди хотин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Бир-биридан ажралиш; айрилиқ, жудолик. [*Ёдгор Маматга:*] *Тирик айрилиш ўлиб айрилишдан минг-минг марта ёмонроқ.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

АЙРИЛИҚ Жудо бўлиш, жудолик ҳолати. *Айрилиқ ўлимдан қаттиқ.* Мақол. ▬ *Гулнор бутун юраги билан Йўлчига мафтун, унинг кўксини севги ҳасрати ва айрилиқ лим-лим тўлдирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЙРИЛМАС *айн.* **ажралмас**. *Ҳисобли дўст айрилмас.* Мақол.

АЙРИЛМОҚ Айирмоқ фл. ўзл. н. *Улар бирбиридан сира айрилмайдилар. Бола онасининг ёнидан айрилгиси келмасди. Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер.* Мақол. *Элдан айрил-*

гунча жондан айрил. Мақол. *Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар.* Мақол. ▬ *Бола "қулоқдан айрилдим", деб ўйлаган бўлса керак, қўрқиб, дарров ушлаб кўрди – йўқ, қулоқ жойида.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

АЙРИЛУВЧИ 1 Айрилмоқ фл. сфдш.

2 *мат.* Бирор сондан айриладиган бошқа сон.

АЙРИМ 1 Ўзига мустақил, алоҳида, якка. *Айрим хона. Айрим хўжалик. Айрим сўзларни ўзаро бириктириб, гап тузмоқ.* ▬ *Бу масалани айрим ҳал қиламиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Баъзи, баъзи бир. *Район газетаси ишнинг бориши ва айрим колхоз, бригада, ҳатто айрим одамларнинг қандай ишлаётгани тўғрисида тез-тез ёзиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АЙРИЧА *кам қўлл.* Бошқалардан фарқли равишда, бошқача, ўзгача. *Таассуфки, буни айричароқ тушунадиган савдо ходимлари ҳам учраб туради.* Газетадан.

АЙРО *кам қўлл.* Ажратилган ҳолда, алоҳида. *Ўзбек билан тожик бир боғнинг гул ва булбули, улар айро ҳолда бахтли бўла олмайдилар.* Газетадан.

Айро тушмоқ *айн.* **айри тушмоқ** *қ.* **айри 3**.

АЙРОЛИҚ *айн.* **айрилиқ**. *Айролиқ ўтига бағримни доғлаб..* "Маликаи айёр".

АЙРОН Қатиқнинг кувда мойи ажратиб олингандан кейин қолган суюқ қисми, шунингдек, қатиқ ёки сузмага сув қўшиб тайёрланган ичимлик. *Айрон ош бўлмас, нодон бош бўлмас.* Мақол. ▬ *Ҳар бир қозоқнинг ўтовида қимизи, қимрони ёки айрони доим осиғлиқ туради.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

АЙРУ *кам қўлл.* Бўлак, бошқа. *Менинг йўқтур муродим сандин айру.* Бобур.

АЙСБЕРГ [*ингл.* iceberg – муз тоғ] Қутб денгизларида қирғоқдан ёки муз тепаликларидан ўпирилиб тушиб, сувда сузиб юрадиган катта муз.

АЙТАЙЛИК 1 Айтмоқ фл. 1-ш. кўпл. буйр. м. шакли. *Бу гапларни дўстларимизга айтайлик.*

2 *крш. с.взф.* Фараз қилайлик; дейлик, масалан. *Айтайлик, вазни 70 килограммлик одам танасида 45,5 килограмм кислород бўлади.* "Фан ва турмуш".

АЙТАРЛИ *(фақат бўлишсиз фл. билан)* Айтса бўладиган, гапирса арзийдиган; унчалик. *Айтарли чиройли эмас.* ▬ *Нима иш қилади? – Айтарли катта иш эмас.* Газетадан.

АЙТГАНДАЙ, **-дек 1** Айтгани каби, айтгани сингари. *Сен айтгандай, граната ташламабди-ю, самолётни ўққа тутибди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *крш.* с. *взф.* Сўзловчининг ёдига келиб қолган воқеа-ҳодиса ҳақидаги гап бошида келади ва шундай маънони (эсига тушиб қолган гап эканлигини) билдиради. *Ҳа, айтгандай, қудангизникига юборган кишингиз келдими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Айтгандай, Шариф билан кўришиб турасизми?* А. Қаҳҳор, Сароб.

АЙТГАНЧА *айн.* **айтгандай**. *Айтганча, сизни кимдир сўраган эди.* ▬ *Хўжайин айтганча, "узилмаган гул" бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу чиркин, бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЙТИЛИШ 1 Айтилмоқ фл. ҳар. н.

2 Талаффуз. *Айтилиши қийин сўзлар.*

АЙТИМ 1 *кам қўлл.* Айтилувчи нарса (гап, қўшиқ ва ш.к.). "*Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар, тўртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирар*" *деган доно айтим бор.* Газетадан.

2 Хонанда иштирокида ижро этиладиган турли шакл ва ҳажмдаги ўзбек мусиқа фольклори жанрлари (қўшиқ, лапар ва б.).

Айтим йўли Хоразм мақомлари ашула бўлимига нисбатан қўлланадиган умумий ном. *Отажон Худойшукуров.. қадим айтим йўллари, мумтоз қўшиқларни маромига етказиб ижро этди.* Газетадан.

АЙТИШМОҚ 1 Айтмоқ фл. бирг. н.

2 Гап талашмоқ, тортишмоқ, сан-манга бормоқ. *Сиз билан айтишган енгилади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ўртароқда икки бола айтишиб, тўсатдан бир-бири билан муштлаша кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

АЙТИШУВ 1 Айтмоқ фл. ҳар.н., айтишиш.

2 Бирор мавзуда (назмда) тортишиш, беллашиш тарзидаги навбатма-навбат (бирбирига жавоб қилиб) айтишиш. *Ой тепага келганда, бахшилар айтишуви авжига минди.* "Саодат". *Собит билан айтишувга ярайман.* Ғ. Ғулом. *..термалар айтишни ўрганган, тўйларда, йиғинларда айтишувларда қатнашган.* Газетадан.

3 Фольклор жанри. Туркий халқлар оғзаки ижодида бахши, жиров ва ш.к. нинг мушоира йўлидаги, уларнинг истеъдодини белгиловчи, ўзига хос синов мусобақаси.

АЙТМОҚ 1 Оғзаки (гап билан) маълум қилмоқ, билдирмоқ. *Ростини айтмоқ. Ўз мулоҳазаларини айтмоқ. Узр айтмоқ. Бетга айтганнинг заҳри йўқ.* Мақол.

Айтинг-айтинг Нарса-ҳодисанинг юз бериши-бермаслиги маъқуллигини ифодалайди. *Айтинг-айтинг, биз боргунча, кетиб қолишмасин.* ▬ *Айтинг-айтинг, ҳеч ким эл назаридан қолмасин.* Газетадан. **Айтмайсизми** *ёки* **айтинг** Тилга олинган нарсани алоҳида таъкидлайди. *Ширинлигини айтмайсизми (айтинг). Одоблилигини айтмайсизми (айтинг).* **Шуни айтинг, нимасини айтасиз, секинроқ айтасизми** Сўзловчининг айтилган гапга тўла қўшилишини билдиради. -*Шуни айтинг, — деди Амин бува ҳам кулиб. — Сув ўзини жуда азиз қилиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Эй, нимасини айтасиз, дугонажон, алоҳида уй олмасам бўлмайди.* Газетадан. *Одамохун, деб секинроқ айтасизми..* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Айтгани айтган, дегани деган** Айтган нарсаси албатта бўлади, амалга ошади. *Онаси умрида эрига тик гапирмаган хотин.. эрининг айтгани айтган, дегани деган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Маслаҳатга кўнмайди. Айтганим айтган, деганим деган, деб туриб олади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Айтган жойидан кесади** Айтганини албатта амалга оширтиради, айтганини бажартиради.

2 Ёддан оғзаки баён қилмоқ, сўзламоқ (эртак, ҳикоя ва ш.к. ҳақида). *Эртак айтмоқ. Топишмоқ айтмоқ. Шеър айтмоқ.* ▬ *Зерикмайман кеча афсона айтсам.* Ҳабибий.

3 Талаффуз қилмоқ. *Мўйлови майса бўлиб қолган кап-катта йигитнинг "р"ни айта олмаслиги Элмуродга ғалати туюлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Таклиф этмоқ, чақирмоқ. *Тўйга айтмоқ. Ҳашарга айтмоқ. Айтмаган ерга борма, айтган ердан қолма.* Мақол. *Айтмаган қўноқ — йўнмаган таёқ.* Мақол. ▬ *Маҳалладан ҳам уч-тўрт киши айтдим, ошни кўпроқ қилиш керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *ёрд. фл. взф.* Боғлама вазифасини бажаради. -*Қиморбоз деб кимни айтасиз? — оғзидаги оши билан ғўлдиради Қамбар.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЙТМОҚЧИ 1 Айтмоқ фл. 3-ш. мақс. шакли. *Сенга бир гап айтмоқчи.*

2 *айн.* **айтгандай 1**. *Кечқурунлари кўпинча одамлар билан гурунглашиб ўтирадиган Иброҳимов, Қурбон ота айтмоқчи, гулларни ўз илмидан баҳраманд қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *айн.* **айтгандай 2**. -*Айтмоқчи, — деди Тешабой бирдан жонланиб,— Ғуломқорини тушира қолсангиз, қалай бўлади?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Айтмоқчи, комиссия келиб кетди..* С. Зуннунова, Олов.

АЙТТИРМОҚ 1 Айтмоқ фл. орт. н. *Ашула айттирмоқ.* ▬ [*Отабек онасига:*] *Табиб айттирайми? — Айттир. Менинг ҳам кўнглимга шу келиб турган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Унаштирмоқ; унашмоқ. *Айттириб қўйилган.* ▬ [*Ҳасанали:*] *Бек учун бир неча жойларга қиз айттирмоқ истал(ин)ган бўлса ҳам.. бекнинг уйланишга бўлган қаршиликларидан бу кунгача тўй қилмай келамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЙТУВЛИ 1 Ҳурматли, қимматли, азиз. *Айтувли меҳмон.*

2 Донг чиқарган, номдор. *Йиғинда.. Карим понсодлардан тортиб, Тошкентнинг айтувли.. аъёнидан ўн бешлаб одам бор эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЙШ [*а.* عيش — ҳаёт, турмуш; озиқ-овқат] **1** Ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат; нашъу намо, нашъа. *Қарилик айшини сурмоқ.* ▬ *Мана, ўзингиз кўрган жой, бемалол айшларингизни қилинглар. Хўпми, синглим?* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 Кайф-сафо, ишрат. *Уй ичида икки мастона кўз бир-бирига тикилиб ўтирар, дунёнинг айшу лаззатини аллақачон тотиб бўлган ўрта яшар аёл хўриллатиб чой хўпларди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

АЙШГОҲ Айш-ишрат, кайф-сафо жойи, ишратхона. *Бу ёш бойвачча учун ресторанда гўё ҳеч ким йўқ, бу жой ёлғиз унинг айшгоҳи.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЙШ-ИШРАТ, **айшу ишрат** Давомли ёки сурункали кайф-сафо, майхўрлик, ишрат. *Айш-ишрат қилмоқ.* ▬ *Бутун бойлигини айш-ишрат, фаҳш, бузуқлик оламида совуриб.. ниҳоят тақдир уни завқ-сафо тахтидан унинг ифлос остонасига отган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЙЮҲАННОС [*а.* ايّهاالنّاس — эй одамлар] **1** *унд. с.* Оломонга, тўдага қарата қилинадиган хитоб, нидо. *Ўрда жарчиси бозор ва уруниш жойларда тўхтаб: "Айюҳаннос! Билмаган билсин, эшитмаган эшитсин.." ман-*

зумаси билан жар солиб юрар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Шовқин-сурон, ҳайқириқ; дод-фарёд. *Исбот қилинмаган даъво! Мунча айюҳаннос!* Ойбек, Танланган асарлар.

Айюҳаннос солмоқ Бақириқ-чақириқ, дод-фарёд билан бошига кўтармоқ. *Э, одамлар, эримнинг дастидан дод! Бу олим эмас, золим-ку! — дея у баттар айюҳаннос солди.* Газетадан.

АЙҚАШМОҚ Устма-уст қалашиб, уйилиб ётмоқ. *Тунги сменадан қайтиб келганлар эса, баъзилари жомакорларини ҳам ечмай, палаткаларида бир-бирига айқашиб, ухлаб ётишарди.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди. *Пошшоман деган тортишди. Ўлик ўликка айқашди.* "Равшан".

АЙҚАШ-УЙҚАШ 1 Устма-уст қалашган, уйилган, бетартиб. *Ҳар ерда синиқ-миниқ идишлар, тақир-туқурлар, ҳар хил жиҳозлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Аралаш-қуралаш, қоришиб кетган, нотайин. *Юлдузхон айқаш-уйқаш хаёллар билан.. тонг оттирди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

АЙҚИН *шв.* Айқириб оқадиган. *Ишчининг томиридай бўртиб кетар, кўрсангиз***,** *Айқин дарёларимиз олма гули маҳалда.* Ғ. Ғулом.

АЙҚИРМОҚ (*асосан -иб рвдш. шаклида* — **айқириб**) Шиддат ва ҳайқириқ билан (оқмоқ). "*Шўхсой" қишлоқнинг қоқ белидан айқириб оқади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

АЙҒИЗ Толнинг бир нави.

АЙҒИР 1 Умуман эркак от. *зид.* **бия**.

2 Бичилмаган эркак от. *зид.* **ахта** (от). [*Тўламат*] *Вақти-вақти билан колхознинг зотли айғирларига эгар уриб, совутгани олиб чиқарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

АЙҒОҚ 1 *от, айн.* **айғоқчи**.

2 *сфт. эск.* Ҳушёр, сергак. *Оғиз — айғоқ, тил — тойғоқ.* Мақол.

АЙҒОҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Зимдан, махфий равишда текширмоқ, азмойиш олмоқ. *Иккинчи кўланка кўча томонни яхши айғоқлаб бўлгач, қоронғироқ томонга ўтиб, деворга тирмаша бошлади.* Ғайратий, Тун қўйнида.

АЙҒОҚЧИ Махфий агент, жосус. *Секинроқ гапир, ўғлим, хон айғоқчилари дайдиб юришибди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Зоргенинг сафдошлари бу оқшом ўзларига душман айғоқчиларнинг қуршовида қайтишди.* Газетадан.

АЙҒОҚЧИЛИК Айғоқчи иши, фаолияти.

АЙҲАЙ *унд. с. кам қўлл.* Узоқдаги одамга қаратилган мурожаат овози.

Айҳай солмоқ 1) узоқдаги одамни баланд овоз билан чақирмоқ; 2) шовқин-сурон кўтармоқ, айюҳаннос солмоқ.

АЙҲАЙЛАМОҚ 1 (*асосан -иб рвдш. шаклида* — **айҳайлаб**) Узоқдаги одамни баланд овоз билан чақирмоқ.

2 Шовқин-сурон кўтармоқ, айюҳаннос солмоқ. *У айҳайлаб, ҳаммаёқни бошига кўтарди.*

АКА 1 Бир ота-онадан туғилган катта ўғил (ўзидан кичикларига, укаларига нисбатан). *Катта ака. Ўртанча ака. Кичик ака.*

2 Ўзидан катта эр кишига мурожаатда ёки унга ҳурмат юзасидан ишлатилади (бунда якка ҳолда ёки нутқ қаратилган шахсни билдирувчи сўз билан қўлланади). *Ака, эски шаҳарга қайси автобус қатнайди?* ▬ *-Деҳқон ака, эҳтиёт бўлинг, аравангиз нобоп, — бошини чайқаб гапирди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биринчи масала юзасидан Бўтабой акага сўз берилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Акаси Эр кишининг ўзидан кичикларга эркалатиш ёки ҳурмат билан мурожаат этиш шакли. *Йўқ, акаси, мен бугун ишга чиқа олмайдиганга ўхшайман. Куч, мажолим йўқ.* Ойдин, Бечора.

АКАДЕМИЗМ [*фр.* academisme] **1** Илмий-тадқиқот муассасаларида ва ўқув юртларида: қуруқ назарияга берилиб кетиш, ҳаётдан, амалиётдан узилиб қолиш, қуруқ назариябозлик.

2 Тасвирий санъатда: антик дунё ва Уйғониш даврининг мумтоз намуналарига кўркўрона эргашувчи ва илғор реалистик оқимларга қарши курашувчи оқим.

АКАДЕ́МИК *от* Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси; бирор академиянинг аъзолигига сайланган олим, адиб, рассом, ҳайкалтарош ва ш.к.нинг унвони.

АКАДЕМИ́К *сфт.* Академиянинг илмий муассасаси ёки олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртига оид тушунчаларга алоқадорликни (тааллуқлиликни) билдиради.

Академик йил *қ.* **йил. Академик лицей** *қ.* **лицей**. **Академик нашр** Фан, адабиёт, санъат асарларининг илмий асосда тайёрланган, асосан, мутахассислар ва илм аҳлига мўлжалланган нашри. **Академик соат** *қ.* **соат**. **Академик театр** *қ.* **театр**.

АКАДЕМИЯ [*юн.* Academia – афсонавий қаҳрамон Академ номи ҳамда Платон ўз таълимотидан дарс берган, Афина яқинидаги кичик ўрмон номидан] **1** Илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган, юқори малакали олимларига эга бўлган олий илмий муассаса. *ЎзР Фанлар академияси.*

2 Баъзи бир олий ўқув юртларининг номи. *Ички ишлар вазирлиги академияси. Ҳарбий тиббиёт академияси.*

АК-АК: **ак-ак қилмоқ** Акилламоқ, вовилламоқ.

АКАПЕЛЛА [*юн.* а – инкор қўшимчаси + *лот.* capella – кичик ибодатхона] Хор жамоаси томонидан чолғу асбобларисиз ижро этиладиган ашула.

АКАС *с. т.* Акация. *Ҳошимжон рўпарадаги акас дарахти тагига газета ёзди-да, қўлидагиларни қўйди.* Ў. Усмонов, Қиёмат.

АКАЦИЯ [*лот.* acacia < *юн.* akantha – тиканакли ўсимлик] Бурчоқдошлар оиласига мансуб хушбўй гулли дарахт ёки бута. *Оқ акация. Сариқ акация.* ▬ *Акация, беда, липа дарахти гулидан йиғилган асал ниҳоятда тиниқ бўлади.* Л. Икромов. Минг дардга даво.

АКАШАК *с. т.* **1** Мушакларнинг қаттиқ тортишуви натижасида қўл-оёқларнинг йиғилиб, тортишиб қолиши. *Қўлинг акашак бўлсин! (қарғ.).*

2 Бирор аъзонинг (асосан, оёқ-қўлнинг) ҳаракатланмай қолиши билан кечадиган касаллик; шол. *Шундай нарсани бузсангиз, уволи тутиб, қўлгинангиз акашак бўлмайдими!* "Ёшлик".

3 Оёқ, қўлнинг қотиб, тараша бўлиб қолган ҳолати. *Оёқ-қўллари акашак, жағи тарракдай очилиб ётган мурдани кўриб, Ҳусния додлаб юборди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

Акашак қилмоқ Оёқ-қўлни шундай майиб ҳолатга солмоқ. *Ҳисомхон хотинини уриб, қўлларини акашак қилиб ташлади.* К. Алиев, Миллат пешвоси.

4 Тоб ташлаган, қайишган. *Ефим тоға.. дик этиб ўрнидан турди ва болғани қўлига олиб, ўқи букри одамдай акашак бўлиб кетган арава олдига борди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

АКАШАКЛАНМОҚ 1 Акашак бўлмоқ, тортишиб қолмоқ. [*Гулнор*] *Оёқларининг акашаклана борганини, бутун гавдасининг тиришa бошлаганини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тоб ташламоқ, қайишиб қолмоқ.

АКБАР [*а.* اكبر – энг катта] 1 *эск. кт.* Энг улуғ. улкан, катта.

Жиҳоди акбар 1) дин учун қилинган муқаддас уруш; ғазоват; 2) *кўчма* катта жанг, катта уруш. **Вазири акбар** Бош вазир, катта вазир. *Исфандиёр тахтга ўтирган кечаси Одилбикага қанча-қанча ваъдалар қилди: отасини вазири акбар қилиш, бошқа уйланмаслик ва ҳоказо.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Акбар (эркаклар исми).

АКВАЛАНГ [*ингл.* aqualang < *лот.* aqua – сув + *ингл.* lung – ўпка] Одамнинг сув остида бемалол нафас олиб сузишига ҳамда ишлашига имкон берадиган аппарат. *Швейцариялик Келлер деган киши аквалангда 305 метр чуқурликка тушган.* "Фан ва турмуш".

АКВАНАВТ [*лот.* aqua – сув + *юн.* nautes – денгизда сузувчи] Сув остида текшириш, изланишлар олиб борувчи денгиз тадқиқотчиси. *Асаби темирдан ва руҳияти ниҳоятда мустаҳкам кишилардан акванавтлар тайёрланади.* "Фан ва турмуш".

АКВАРЕЛЬ [*итал.* acquerello < *лот.* aqua – сув] **1** Сувда эритиб ишлатиладиган бўёқ, сув бўёқ. *Ўрол аканинг.. акварелда чизган асарларининг икки фазилати кўзга ташланади.* Т. Одилбеков. Табиат куйчилари.

2 Шундай бўёқ билан солинган сурат, расм.

АКВАРИУМ [*лот.* aquarium – сув; сувдон] **1** Сув ҳайвонлари ва ўсимликларини асраш ва урчитиш учун фойдаланиладиган шиша идиш. *Лекин аквариумда боқиладиган кўпгина балиқлар.. кўк ва қизил рангларни ажратиш қобилиятига эга бўлади.* "Фан ва турмуш".

2 Сув жониворлари ва ўсимликларини ўрганиш ва намойиш қилиш билан шуғулланадиган махсус муассаса.

АКВАТОРИЯ [*лот.* aqua – сув + territorium – жой; вилоят] Сув ҳавзаси юзасининг бир қисми. *Порт акваторияси. Ҳарбий ҳаракатлар акваторияси.*

АКВЕДУК [*лот.* aquaeductus – сув йўли, сув ўтказгич қувур] Жар, дара, дарё, йўл устидан ўтказиладиган нов ёки қувурдан иборат кўприксимон, кўтарма сув ўтказувчи иншоот.

АКИЛДОҚ 1 Бўлар-бўлмасга, унар-унмасга акиллайверадиган, ҳадеб вовиллайверадиган (ит хақида). *Акилдоқ кучук.*

2 *кўчма дағл.* Бўлар-бўлмасга валдирайверадиган; вайсақи.

3 *кўчма дағл.* Ҳадеб йиғлайверадиган, йиғлоқи, жағи очиқ (гўдак хақида).

АКИЛЛАМОҚ 1 Ҳадеб вовилламоқ, вакилламоқ. *Ит акилламайди, қушлар сайрамайди. Улар ўзларини сояга олиб мудрашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма дағл.* Бўлар-бўлмас гаплар гапирмоқ; вайсамоқ, валдирамоқ. -*Э, э, акиллай берасан-да, Сафар! — деди буқоқ,— биз нима деяпбиз-ку, сен нима деяпсан!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *кўчма дағл.* Ҳадеб йиғлайвермоқ, ариллайвермоқ (гўдак ҳақида).

АКИНЕЗИЯ [*юн.* akinesia – ҳаракатсизлик] *тиб.* Бир қатор касалликлар, патологик ҳолатлар оқибатида фаол ҳаракатларнинг сусайиши ёки бўлмаслиги; ихтиёрий ҳаракатнинг қийинлашуви.

АККЛИМАТИЗАЦИЯ [*лот.* ad – ёнида, -га + *юн.* klima – иқлим] Организмларнинг янги яшаш шароитларига мосланиши; иқлимга мосланиш. *қ.* **иқлим**.

АККОМОДАЦИЯ [*лот.* accomodatio – мослашув] Кўзнинг турли масофадаги нарсаларни аниқ кўришга мослашуви.

АККОРД I [*итал.* accordo – уйғунлик, ҳамоҳанглик] **1** Мусиқада турли баландликдаги уч ва ундан ортиқ товушларнинг қўшилиб, яхлит ҳолда янграши. *Бир йўла бир неча аккорд олиш.*

2 Чолғу асбоблари торларининг ўзаро ҳамоҳанглиги.

АККОРД II [*итал.* accordo – келишув, битим] *сфт.* Шартнома асосида бажариладиган; ишбай.

Аккорд иш ҳақи Шартнома асосида ишбай усулида бажарилган иш учун бирйўла тўланадиган иш ҳақи (асосан қурилиш соҳасида).

АККОРДЕОН [*фр.* accordeon] Ўнг қўл билан ушланадиган томонида фортепиано типидаги клавиатураси бўлган гармонь.

АККОРДЕОНЧИ Аккордеон чалувчи.

АККРЕДИТАЦИЯ, аккредитлаш [*лот.* accredo – ишонмоқ, ишонч билдирмоқ] *ҳуқ.* **1** Дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки давлатнинг бирон-бир халқаро ташкилотидаги доимий вакили лавозимига тайинлаш ва шу лавозимни бажаришга киришиш тадбирлари.

2 Журналистга муайян ҳудудда бўлиш ва у ерда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ёритиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

АККРЕДИТИВ [*лот.* accreditivus – ишончли, ваколатли] *мл.* **1** Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олиб бориладиган банк ҳисоб вараги.

2 Томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоб тури.

3 Номига ёзиб берилган шахсга кўрсатилган суммани кредит муассасасидан олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз.

4 *ҳуқ.* **Аккредитив (ёрлиқ)** Дипломатик вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

АККУМУЛЯТОР [*лот.* accumulator – тўпловчи] Электр ёки иссиқлик энергиясини кейинчалик фойдаланиш учун тўплайдиган қурилма, асбоб. *Электр аккумулятор. Аккумуляторлар батареяси.* ▬ *Шофёр аккумулятор ўтириб қолмасин, деб токни узиб қўйган эди.* С. Аҳмад. Уфқ.

АКОБИР [*а.* اکابر – энг катталар] **1** *эск. кт.* Юқори мартабали киши, катта одам. *Кимхоб, зарбоф, шойи тўн кийган мутаккаббир акобирлар, аъёнлар.. бирин-кетин сарой боғига кириб кела бошладилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Акобир (эркаклар исми).

АКРОБАТ [*юн.* acrobatis – юқори кўтарилувчи] Акробатика билан шуғулланувчи гимнастикачи; циркда мураккаб гимнастика машқларини ғоят эпчиллик ва моҳирлик билан ижро этувчи артист; муаллақчи.

АКРОБАТИК Акробатикага оид. *Акробатик машқ.*

АКРОБАТИКА Спорт гимнастикаси ва цирк санъатининг мураккаб тури.

АКРОБАТЧИ *айн.* **акробат**.

АКС I [*а.* عکس – нарсанинг силлиқ, тиниқ сатҳдаги тасвири; тескари, тўнкарилган] **1** *от* Бирор нарсанинг силлиқ, ярқироқ сатҳда кўринган тасвири, шакли. *Ҳовузнинг лиммо-лим суви шишадай тоза, одамнинг акси кўринади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Акс этмоқ 1) силлиқ, ярқироқ сатҳда (тасвири) кўринмоқ. *Кўзгуда акс этмоқ*; 2) қайтмоқ (мас., акс садо ҳақида); 3) кўринмоқ, билинмоқ, намоён бўлмоқ (ички ҳис-туйғу, кайфият ва ш.к. ҳақида). *Шу биргина сўз унинг* [*Мадумарнинг*] *бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида акс эттирган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 4) ўз ифодасини топмоқ. *Асарда объектив воқелик акс этган.* **Аксини топмоқ** *айн.* **акс этмоқ** 4). *Маълумки, Бош қомусимизда халқимиз руҳига мос кела-*

диган иймон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, иффат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Газетадан.

2 *сфт.* Қарама-қарши, тескари, зид. *Акс натижа. Акс таъсир.*

Аксига олмоқ (*ёки* **юрмоқ**) 1) хоҳиш-истакка ёки буйруққа қарши иш тутмоқ, кесма-кесарлик қилмоқ; 2) хоҳиш-истакка қарши юз бермоқ. *Аксига олиб, ёмғир ёғди.*

3 *сфт.* Тутган ерини кесадиган, гапга кўнмайдиган, ўжар, қайсар. *Акс бола.*

4 *от* Таъсир. *Одамнинг одамга акси уради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Акс садо 1) товушнинг узоқдаги бирор нарсага, тўсиққа урилиб, ундан қайтиб эшитилиши. *Унинг* [*Алим буванинг*] *овози ниҳоят даражада йўғон эди, у тоғ-тошлар орасида гуриллаб, акс садолар билан ёйилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) *кўчма* жавоб садоси, жавоб ҳаракати, ишораси ёки аломати. *Қурувчилар мажлисида кўтарилган бу масала шаҳардаги ҳамма корхоналарда акс садо топди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Акс ҳолда** Шундай бўлмаган (қилинмаган) тақдирда; бўлмаса. *Ҳар бир маданиятли ота-она фарзандлари қалбида кечаётган ўйлар билан албатта ҳисоблашишлари керак. Акс ҳолда, орада бўшлиқ пайдо бўла бошлайди.* Газетадан.

АКС II Диний-хурофий тасаввурда: жин, ажина.

Акс тегди Жин тегди.

АКСА Димоғ қичиши натижасида ғайриихтиёрий равишда бурундан (димоғдан) ҳавонинг куч билан (отилиб) чиқиши; аксириш. *Кимнингдир қаттиқ аксаси Элмуродни чўчитди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Акса урмоқ Аксирмоқ, чучкирмоқ.

АКСАР [*а.* اکثر – кўпроқ, энг кўп] **1** Кўпчилик қисм, кўп қисм; кўп, *Аксар вақт.* ▬ *Аксар уйлар хароб ва кимсасиз эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Меҳмонларнинг аксари ўрта ёшли — ўттиз, қирқ орасидаги одамлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммо аксар хўжалик раҳбарлари шартномавий муносабатларга бармоқ орасидан қараб..* Газетадан.

2 *рвш.* Кўпинча, кўп ҳолларда. [*Юсуфбек ҳожи*] *Отабек билан бирор тўғрида сўзлашмоқчи бўлса, уни аксар меҳмонхонага чақириб ёки чақиртириб оладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АКСАРИ 1 Аксар с. 3- ш. эгалик шакли. *Ўқувчиларнинг аксари.*

2 *рвш.* Кўпинча, кўп ҳолларда. *Соҳилда кучли шамол турган вақти ҳам кўп, бироқ бундай шамоллар аксари кечалари бўлади..* А. Раҳмат, Варракчи чол.

АКСАРИЯТ Кўпчилик; кўп. *Марям тимсоли ўзига хос талқини ва ижроси билан аксарият томошабинларда зўр қизиқиш уйғотди.* Газетадан. *Энг қувончлиси, дўкондаги аксарият маҳсулотлар шу ернинг ўзида тайёрланмоқда.* Газетадан.

АКСИГА *рвш.* Истакка, хоҳишга зид равишда; одатдагига зид ҳолда. *Аксига қор ёққанини қаранг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кеча аксига уйга барвақт жўнаган эдим.* Ойбек, Нур қидириб.

Аксига олиб *айн.* **аксига**. *Аксига олиб, пахта терими пайти эди.* Газетадан.

АКСИЛИНҚИЛОБ [*а.* عکسالانقلاب – инқилобга қарши] Инқилобни, унинг самараларини йўқ қилишга қаратилган ҳаракат.

АКСИЛИНҚИЛОБИЙ Аксилинқилобга оид. *Аксилинқилобий унсурлар.*

АКСИЛИНҚИЛОБЧИ Аксилинқилоб тарафдори. *..аксилинқилобчилар томонидан бўлаётган ташвиқот халқни ишдан қочириб, руҳини сўндирмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

АКСИЛҲАРАКАТ [*а.* عکسالحرکت – қарши ҳаракат] *эск.* **1** *айн.* **реакция 1.**

2 Реакцион ҳаракат, аксилинқилобий фаолият.

АКСИЛҲАРАКАТЧИ *эск. айн.* **реакционер**.

АКСИНЧА *рвш.* **1** Кутилганнинг аксича, унга зид ҳолда. *Ҳамма иш аксинча бўлиб чиқди.*

2 Тескари, нотўғри равишда. *У ҳамма нарсани аксинча талқин қилган.*

3 *крш. с. взф.* Айтилганга ёки кутилганга зид ўлароқ. *Аксинча, ҳамма нарса гўзал ва ёқимли бир шакл олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *юкл. взф.* Зидлашни ифодалайди. [*Турғун Муҳаббатга:*] *Йўқ. Аксинча, оқарибсиз. Жиндек озиб, яна ҳам чиройли бўлибсиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

АКСИОМА [*юн.* axioma – асосий қоида] Ўз-ўзидан аниқ-равшанлиги сабабли исбот талаб қилмайдиган, исботсиз қабул қилинадиган ҳолат, фикр. *«Коллектив – катта куч» деган аксиома бу ерда ҳам ўзини кўрсатди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

АКСИРИШ *тиб.* Организмнинг ҳимоя реакцияларидан бири. Бунда (аксирганда) бурун бўшлиғидаги ёт жисмлар: чанг, йи-

ғилиб қолган шилимшиқ ва б. чиқиб кетади ҳамда уларнинг нафас йўлига тушишининг олди олинади.

АКСИРМОҚ Акса урмоқ, чучкирмоқ. *Мавлоно Шаҳобиддин аксириб, рутубатдан шикоятланди.* Ойбек, Навоий.

АКСИЧА *рвш.* **1** Акси ўлароқ, тескарисича. *Зайнаб, эгачисининг аксича, ўз яқинларидан «писмиқ» деб исм олган, онаси бўлса аччиғи чиққанда, «минғаймас ўлгур» деб уни қарғар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *с. т. айн.* **аксинча 1, 2.**

АКСЛАНМОҚ I **1** Акс этмоқ, акси қайтмоқ. *Йўлак четидаги кўлмакда чироқ шуъласи хира аксланди.* «Ёшлик».

2 Акс этмоқ, намоён бўлмоқ; кўринмоқ (ички ҳис-туйғу, кайфият ва ш.к. ҳақида). *..бошқаларнинг кўнгилларидан нима ўтганлиги ўз башараларидан аксланиб турмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

АКСЛАНМОҚ II *дин.* Акс тегиб оғримоқ.

АКСЛИК Акс, қайсар одамга хос хатти-ҳаракат. *Акслик қилмоқ.*

АКТ [*лот.* actus; actum – амал, ҳаракат; ҳужжат, қарор] **1** Бирон-бир содир этилган иш, хатти-ҳаракат ёки бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса. *Террористик акт.*

2 Муассаса ёки айрим шахс (шахслар)га оид хатти-ҳаракат (воқеа, ҳодиса) ёки ҳолатни тасдиқлаш, гувоҳлик асосида қайд этувчи, бирдан ортиқ киши томонидан тузилган ҳужжат; далолатнома.

3 *ҳуқ.* Юридик аҳамиятга эга қарор ёки ҳужжат. *Ердан фойдаланиш ҳақидаги акт.*

4 Драматик асар ёки театр томошасининг тугалланган қисми; парда.

АКТЁР [*фр.* acteur < *лот.* actor – ижро этувчи] Спектакль ва кинофильмларда роль ижро этувчи артист. *Томошабинлар актёрларнинг ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракатига ўз муносабатларини билдириб турдилар.* Газетадан.

АКТЁРЛИК Актёр касби. *Актёрлик факультети. Актёрлик маҳорати.*

АКТИВ I [*лот.* activus – фаол, ҳаракатчан] **1** Корхона ёки ташкилотнинг мулки ва ресурслари (бино, машина, қимматбаҳо қоғозлар ва б.). *..бир қанча савдо-сотиқ майдончалари мавжуд: давлат активларини сотиш майдончаси, рақобатли-устувор савдолар майдончаси..* Газетадан. *Пулга тез айланиши (сотилиши) мумкин бўлган.. активлар (векселлар, олтин, нақд пул ва б.) ликвид активлар дейилади.* "ЎзМЭ".

2 *бух.* Баланснинг кирим, даромад қисми; бухгалтерия балансининг бир қисми; *зид.* **пассив**. *Молия менежменти, активлар ва пассивларни бошқариш..* Газетадан.

АКТИВ II *қ.* **фаол**.

АКТИВЛАШМОҚ *айн.* **фаоллашмоқ.**

АКТИНИЙ [*юн.* aktis, aktinos – нур] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент.

АКТРИСА Актёр аёл.

АКТУАЛ [*лот.* actualis – ҳақиқий; амалий] Энг муҳим, энг зарур, долзарб. *Актуал масала.*

АКТУАРИЙ [*лот.* actuarius – тезкор, тез ёзувчи мирза] Суғурта компаниясининг суғурта хатларини баҳолаш ҳамда суғурта тўловлари ҳисоб-китоби билан шуғулланувчи мутахассис, иш юритувчи.

АКУЛА [*исл.* hakall – балиқнинг бир тури] Денгизда яшайдиган йирик йиртқич балиқ; наҳанг.

АКУ́СТИК Акустика мутахассиси.

АКУСТИ́К Акустикага оид, акустикага мансуб. *Акустик аппаратлар. Залнинг акустик шароити.*

АКУСТИКА [*юн.* akustikos – эшитиш, қулоқ солишга доир] **1** Физиканинг товуш ҳодисаларини ўрганадиган бўлими.

2 Бирор бинода товушларнинг эшитилиш шароити ва хусусиятлари, товушларнинг яхши эшитилиши ёки эшитилмаслик ҳолати. *Концерт залинине акустикаси яхши экан.*

АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГ Хотин-қизлар касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш билан шуғулланадиган мутахассис врач.

АКУШЕРКА [*фр.* accoucher – туғруққа ёрдам бермоқ] Ҳомиладорларни мунтазам кузатиш, диспансер кузатув рўйхатига олиш, уларнинг касаллигини аниқлаш, туғруқ вақтида ва туғруқдан кейинги (чилла) вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш ва б. билан шуғулланувчи, махсус ўрта маълумотли тиббиёт ходими.

АКУШЕРЛИК 1 Клиник тиббиётнинг ҳомиладорлик, туғруқ вақтида ва туғруқдан кейин (чилла даврида) аёл организмида содир бўладиган физиологик ва патологик жараёнларни ўрганувчи соҳаси.

2 Акушер касби. *Акушерлик қилмоқ.*

АКЦЕНТ [*лот.* accentus – оҳанг; урғу] *тлш.* Она тилидан бошқа тилда сўзлаганда, товушларни ўша тилдагидан бошқача ҳолда, ўз тили товушлари каби ёки унга яқин талаффуз этиш. *Ўзбекча акцент билан гапирмоқ.*

АКЦИЗ [*фр.* accise < *лот.* accidere – кесмоқ] Асосан кенг истеъмол товарлари ва хизматларга қўйиладиган эгри солиқ, билвосита солиқ тури. *Маркаланадиган товарларни импорт қилувчилар акциз солиғини тўлиқ миқдорда тўлаганларидан кейин акциз маркаларини сотиб оладилар.* Газетадан.

АКЦИОНЕР *қ.* **акциядор.**

АКЦИОНЕРЛИК *қ.* **акциядорлик**.

АКЦИЯ I [*фр.* action – қимматбаҳо қоғоз] Акциядорлик жамияти чиқарган қимматбаҳо қоғоз. *Иш самарадорлиги ошгани сари жамоа аъзоларига тегишли акцияларга тўланадиган дивидендлар миқдори ҳам кўпайиб боради.* Газетадан.

АКЦИЯ II [*лот.* actio – ҳаракат] Бирор мақсадга эришиш учун қилинадиган иш, ҳаракат. *Дипломатик акция.*

АКЦИЯДОР Акциялар эгаси; ундан фойда кўрувчи жисмоний ёки юридик шахс; акциядорлик жамияти аъзоси. *..акциядорлик жамиятида.. акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтади.* Газетадан.

АКЦИЯДОРЛИК Акция ишлари билан боғлиқ фаолият.

Акциядорлик жамияти Турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини уюшган шерикчилик асосида бирлаштирадиган жамият. *Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишларини ўтказишдан олдин акциядорлик жамиятининг йиллик молиявий-хўжалик фаолияти мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт.* Газетадан.

АЛАЙ-БАЛАЙ с. *т.* У-бу гап, бўлар-бўлмас гап (одатда, номақбул, ёқмайдиган гап ҳақида). *Алай-балайига қулоқ солма.*

Алай-балай демоқ Бўлар-бўлмас, ёқмайдиган гап қилмоқ. *Алай-балай десам, тутиб олиб уриш ҳам таъбида бор.* Ҳ. Шамс, Характеристика.

АЛАЙКУМ [*а.* عليكم – сизнинг устингизда]: **ассалому алайкум** [السّلام عليكم (*л. м.* сиз тинч-омон бўлинг)] 1) салом бериш, саломлашиш шакли. [*Саид Жалолхон*:] *-Ассалому алайкум, – деди раисга рўпара бўлиб.* А. Қаҳҳор, Башорат; 2) *кўчма* кўпинча қасос қайтганда таъзир бериш, уялтириш ифодаси. *Ассалому алайкум, хўш, энди қалайсиз?* **Ва алайкум ассалом** (*л. м.* сиз ҳам тинч-омон бўлинг) Саломга жавоб шакли. [*Солиҳ махдум:*] *-Ассалому алайкум, келган эканлар, тақсирим!* [*Эшон:*] *-Ва алайкум ассалом! Хўш, саломатмисиз, Солиҳ махдум?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АЛАЙНО [*а.* علينا – бизга]: **алайно ошкор** Очиқдан-очиқ; рўй-рост. *Кўрсанг, кўзинг тўйгудек, барваста, қуёш кўрасида тобланган йигитлардан, юрагининг ургани алайно ошкор билиниб турибди.* Ғ. Ғулом, Оқариб кўринар бир матрап.

АЛАЙҲ [*а.* عليه – унга, шунга]: **биноан алайҳ** [بناء عليه] *эск. кт.* Шунга биноан, шу асосда, бинобарин. *Биноан алайҳ, шу ердаги сирга воқиф бўлганларнинг вазифаси – бу ҳодисани кишига сўзламаслик.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АЛАЙҲИЛЛАЪНА [*а.* عليهاللّعنه – *л. м.* унга лаънатлар бўлсин] *дин.* Шайтоннинг сифати. [*Фазлиддин:*] *Одамнинг ичини билиш жуда мушкул нарса. Кўринишда фариштадай одамнинг ичида шайтон алайҳиллаъна ўтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЛАЙҲИССАЛОМ [*а.* عليهالسّلام – унга тинчлик ва омонлик] *дин.* Пайғамбарлар номига қўшиб айтилади: *Муҳаммад алайҳиссалом.* ▬ *Тарихда, яъни Одам алайҳиссалом замонидан то шу кунгача уч одил подшо бўлган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу куни Жаброил алайҳиссалом бошчилигидаги фаришталар заминга тушадилар.* Газетадан.

АЛАК Пахта ипдан қўл дўконда тўқилган мато; силлиқ бўз. *Алак тўн.* ▬ *Чит бирла бир ерда алак Бозори тангу тор экан.* Муқимий.

АЛАЛАБАД [*а.* علىالابد – абадий, мангу] *айн.* **абадулабад** *Лочин парваришин топган шунқордек, ўзбек алалабад сендан миннатдор.* Ғ. Ғулом.

АЛАЛОҚИБАТ [*а.* علىالعاقبت – охири, оқибатда] Оқибатда, охир-оқибат. *Уларнинг қолипга сиғмайдиган бу қилмишлари алалоқибат ўзларини қора курсига етаклаб келди.* Газетадан.

АЛАЛХУСУС [*а.* علىالخصوص – хусусан, айниқса] *эск. кт.* Айниқса, хусусан. [*Мирзакаримбой Йўлчига:*] *Биласан, хотин аҳли*

молга ўч бўлади, алалхусус, сандиқдаги молни ер-кўкка ишонмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

АЛАМ I [*а.* الم – оғриқ, дард] **1** Жисмоний қийноқ; азоб, оғриқ. *Комил калтак аламидан хўнг-хўнг йиғлаётган боладан яна сўради.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Руҳий азоб, изтироб. *Ҳижрон алами. Жудолик алами. Алам чекмоқ (тортмоқ).* ▬ *Биз у вақтлар севги нима, севиш, севилиш нима – буларнинг дард ва алами, завқ ва шавқи нималигини ҳам билмас эдик.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Алам қилди *с. т.* Кўнгилга қаттиқ тегди, дилни оғритди; ранжитди. *Эрининг "бош қоронғи бўл, эвида бўл-да" дегани унга жуда алам қилди, хўрлиги келди, ўпкаси тўлди.* А. Қаҳҳор, Анор.

3 Қасд, ўч, қасос. *Мунча серпичинг бўлиб кетибсиз. Менда аламингиз борми!* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Алам(ини) олмоқ 1) қасд, ўч олмоқ. -*Мени ташлаб кетганингиз аламини Зайнабдан олмасам, кимдан олай, – деди кулиб Кумуш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *кўчма* бирор иш қилиб ёки бирор иш билан шуғулланиб, юракни бўшатмоқ, хафагарчиликни ёзмоқ, хумордан чиқмоқ. *Балки аламини ишдан олгандир?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Исанинг аламини Мусадан олмоқ** Бировдан етган ранж, озор қасдини бошқа, айбсиз одамдан олмоқ.

4 Ғазаб, нафрат; заҳр.

Аламдан тарқамоқ (*ёки* **чиқмоқ**) 1) *айн.* **алам(ини) олмоқ 2**. *қ.* **алам 3**. [*Собирахон:*] *Йиғладим. ўтириб хат ёздим. Бу билан ҳам аламдан чиқмай, хатни кўтариб, Комила холамнинг олдиларига арзга бордим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) қасдини, ўчини олмоқ. *Мингбоши тек ётмаган эди, қизининг аламини чиқариб олиш учун баҳона изларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) ғазабдан тарқамоқ. *Сиз қўй демаганингизда, оғзи-бурнини дабдала қилиб, бир аламдан чиқай деган эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Аламини ичига ютмоқ** Ғазабини сиртга чиқармаслик, билдирмаслик. *..аламини ичига ютиб, ҳаловат истайди.* Газетадан.

АЛАМ II [*а.* علم – байроқ, туғ] **1** *эск. кт.* Байроқ, туғ.

2 *дин.* Азиз-авлиёлар дафн этилган мозорга сиғинувчилар томонидан шу мозор дарахтларига боғланган латта. *Эр Ҳуббига бориб, астойдил сиғиниб, шайхларга тўн кийгизди, кекса чинорларга алам боғлади, бўлмади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

АЛАМАНГИЗ [*а.+ф.* المانگيز – аламли] Руҳий азоб берадиган, қийнайдиган, хафа қиладиган. *Аламангиз ҳодиса.* ▬ *Дўстлардан айрилмоқ гарчи бениҳоя қийин ва аламангиздур.* Ойбек, Навоий.

АЛАМ-АЧЧИҚ Руҳий азоб-уқубатлар, дард-ҳасратлар.

АЛАМДИЙДА [*а.+ф.* المديده – алам кўрган] Юраги дард-аламли, жабр-жафо чеккан, азоб-уқубат тортган. [*Йўлчи*] *Ўзи учун эмас, халқ учун, юрт учун, жамики аламзадалар, аламдийдалар учун қон тўкди.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЛАМДОР [*а.+ф.* علمدار – байроққа эга бўлган, байроқдор] *эск.* Байроқ, туғ кўтарувчи; байроқдор.

АЛАМЗАДА 1 *айн.* **аламдийда**.

2 Аламидан тўйиб, қасос, ўч олиш қасдига тушган, кимсада алами бўлган. *Зоғора нонни ушатиб қўяётган Полвон: -Оқсоқолдан аламзада бўлганлар кўп-ку, – деди мийиғида кулиб.* Ж. Шарипов, Хоразм.

АЛАМ-ИЗТИРОБ *айн.* **алам-аччиқ**. *Кишининг ички ҳиссиётини юзидаги ўзгаришлардан тезда пайқаб олувчи Исломхўжа қизидаги алам-изтиробнинг изларини дарҳол сезди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

АЛАМЛАНМОҚ *кам қўлл.* **1** Алам-аччиғи қўзғамоқ, жаҳли чиқмоқ. *..домланинг қўлидаги тескари ушланган болтанинг мухраси елкамга келиб тушди, аламланиб кетдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Азоб-оғриқ ҳис этмоқ, оғримоқ. *Лабим жуда аламланиб турса ҳам.. кўрган тушимни ярим-ёрти айтиб бериб, таъбир сўрадим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

АЛАМЛИ 1 Алами бор, оғриқ-азобли. *Аламли ва ярали кўнгиллардан рўй-рост отилиб, ҳавони янгратган ҳақиқат овози унинг бутун вужудини титратди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Алам-оғриқдан, азобдан юзага келган. *Йўқ, бу одамнинг руҳини енгиллатадиган йиғи эмас, юракдан оққан қондек аламли, аччиқ икки томчи эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Дард-алам ифодаловчи. *Аламли кўзлар.* ▬ *-Кечир демоқчисиз, – деди Инобат ма-*

йин, аламли оҳанг билан. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

4 Дард-алам чеккан, аламдийда. *Тоҳирим келмайди деб қаҳр этма, э, жон Зуҳрахон, Бир гуруҳ дардли, аламлиларга мен ёр ўлмишам.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

АЛАМНОК *айн.* **аламли.** [*Жомий:*] *Кўнгул бўлса агар ҳар қанчалик пок, Бўлур у шунчалар кўпроқ аламнок.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Асрорқул ғазабини аранг босиб, аламнок хўрсинди.* Н. Қиличев, Ёронгул.

АЛАМОН с. *т.* Оломон. *Бу сиёсат учун керак қўмондон, Бўлмаса ҳеч тинчимайди аламон.* Ҳ. Олимжон.

АЛАМ-СИТАМ *айн.* **алам-изтироб**. *Бугун жуда сиқилиб кетдим. Дардлашадиган, юрагимни эзган алам-ситамларни эшитадиган дўст йўқ..* С. Аҳмад, Севгингга содиқман.

АЛАНГА 1 Ёниб турган ўтдан, оловдан кўтарилаётган ёлқин. *Газ алангаси.* ▬ *Шам алангаси ҳар томондан эсиб турган шабадада тебранар эди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

2 Ёруғлик; ёруғ шуъла. *Ашулачиларнинг қуёшда корайган юзлари машъалларнинг алангасида йилтиллар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *кўчма* Ўт олдирувчи, жўшқин жараён; жўшқинлик, ҳовур; юракка ўт солувчи, ёндирувчи ҳис-туйғу. *Фироқ алангаси. Ишқ алангаси. Уруш алангаси. Ғазаб алангаси.* ▬ *Дўсти ғариб, кел, қўлингни тут, Юрагингга ёқай аланга.* А. Орипов. *Муздай чой ичини қовураётган аланга тафтини сал пасайтиргандай бўлди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

Аланга олмоқ 1) алангаланиб ёна бошламоқ. *Жанг майдонида душманнинг етти танки аланга олиб ёнди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир; 2) *кўчма* шиддатли тус олмоқ; кучаймоқ, зўраймоқ. *Ўзбек ойимнинг ғазаби тағин ҳам аланга олди: Сўзимни эшитасанми, кар?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЛАНГАЛАНМОҚ 1 Аланга олмоқ, аланга олиб, ёлқинланиб ёнмоқ, ўт олмоқ. *Радиокарнайи осилиб қолган танк тўхтадида, бир оздан кейин алангаланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Жўшқин тус олмоқ, тутақмоқ. *Бу сўзни эшитиш билан Нурининг сўнган умиди алангаланди, кўкраги ёниқ орзулар билан тўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Жўна кўзимдан, оқпадар, кет, нақ илигингни синдираман қайтиб келсанг, — борган сари алангаланди чол.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

АЛАНГАЛИ 1 Аланга бериб ёнаётган; ёлқинли. *Алангали гулхан.*

2 *кўчма* Қизғин, оташин. *Алангали салом.*

АЛАНГ-ЖАЛАНГ *рвш.* Ҳайрон, бесаранжом кўз юритиш, олазарак. *Кўзлари аланг-жаланг бўлди.* ▬ *Анвар Шавкатий атрофга аланг-жаланг қараб, ҳовлиққанича келарди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Мулла Обид орадан ўтган гапни эшитмаганликдан аланг-жаланг бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бўтабойнинг кўзи аланг-жаланг бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

АЛАНГЛАМОҚ Аланг-жаланг қарамоқ, олазарак бўлмоқ. *Кампир набираси Назирали билан қаёққа борарини билмай, тўрт томонга аланглаб қолди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

АЛАПИ *шв.* Етилмаган хом жўхори.

АЛАС-АЛАС *этн.* **1** Оғир ётган беморни "даволаш" мақсадида таёқча учига ўраб ёндирилган латтани ёки беморнинг кийимини унинг бошидан ўгириш. *Чиллаёсин ўқиб, алас-алас қилишиб, олло таолодан унинг дардига шифо тилашади.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Кишига илашган жин, ажина ва ш.к. дан халос бўлиш учун Сафар ойида гулхан ёқиб, устидан сакраш. *Холангизнинг алас-алас ва кўчирдисидан кейин Эшмат аканинг ҳушлари кетади.* "Муштум".

АЛАСЛАМОҚ *этн.* Алас-алас қилиб "даволамоқ". *Домла касал бетига сув сочди. ..Катта бир латтани ёндириб, бошидан айлантириб ташлади — аласлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

АЛАФ [*а.* علف — ўт, хашак] Умуман, ўт, кўкат.

Сассиқ алаф 1) бурган, супурги ўт. *Айвон олдида сассиқ алафдан қилинган узун сопли супурги ётарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар; 2) *кўчма* умуман, ёқимсиз, ярамас шахс ёки нарсага нисбат. *Сассиқ алаф билан тўлган миянгни тозалаб қўйиш керак.* "Муштум". *Золимни юз карра ўлдирар эдим. У сассиқ алафни ҳаёт боғидан Юлиб ташлар эдим, сўлдирар эдим.* Уйғун.

АЛАХСИМОҚ Бирор иш билан овора бўлиб, илакишиб қолмоқ; асл иш, муддао қолиб, бошқасига чалғимоқ. *Гапга алахсиб, ишдан қолмоқ.* ▬ *Ўктамхон опа меҳмон билан алахсиб, ҳозиргина қойиб ўтиргани магазинчи йигитни унутган эди.* Ш. Ғуломов,

Ёрқин уфқлар. *Дарс тугаши билан ҳеч нарсага алахсимай, уйига жўнайди.* Ў. Умарбеков, Чарос.

АЛАЧА Қўлда тўқилган йўл-йўл ип ёки жун мато. *Бир чопонлик алача.* ■ *Ўзбекистон халқи бўз, алача.. сахтиён, айбаки терилар билан Ўзбекистонни таъмин қилиб келди.* Газетадан.

АЛАЧАБОФ Алача тўқувчи уста.

АЛАҚ-ЧАЛАҚ Бир-бири билан чалкаш (туш ҳақида). *Ҳайдар.. кўзи уйқуга кетганини сезмай қолди. Кўп ўтмай, алақ-чалақ тушлар кўриб, инграй бошлади.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

АЛАҒ *фольк. айн.* **алағда.** *Отинг мана, алағ бўлма, бўл ҳушёр.* “Авазхон”.

АЛАҒДА Нотинч, безовта (кўнгил, хаёл ва ш. к. га нисбатан). *Йўлдош ҳамроҳлари қуршовида анча ерга бориб қолган бўлса ҳам, орқасига ўгирилиб қарарди.. кўнгли алағда эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Чол, хаёли алағда, нима қиларини билмай, дастурхон четини қайириб ёнбошлади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

Алағда бўлмоқ Алағда ҳолатни кечирмоқ. *Ҳар учрашганимизда ўғрига ўхшаб кўнглимиз алағда бўлиб юрганимизча, бир йўла тўйни қилиб, давр-даврон сурганимиз яхши эмасми, эмиш.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Алағда қилмоқ** Алағда ҳолатга солмоқ. *Акасининг без бўлиб олиши Ҳусниддинни алағда қилиб ташлади.* М. Исмоилий, Фарғона, т.о.

АЛАҲЛАМОҚ 1 Босинқираб ёки иситманинг зўридан қовушмаган, ноаниқ сўзлар сўзламоқ. *Тун ярмига борганда, Бобоқул отанинг аҳволи ёмонлашди. Дам-бадам ҳушини йўқотиб, алаҳлай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Тутуриқсиз, бемаъни гап қилмоқ, валдирамоқ. *Ҳамёнингда бир миринг йўқ, намунча миллат, миллат деб бижиб алаҳлайсан.* К. Яшин, Ҳамза.

АЛАҲЛАШ Онг ўзгариб, воқеаларни англаш қобилиятининг бузилиши

АЛАҲСИРАМОҚ *айн.* **алаҳламоқ**. *.. тушларида алаҳсирар, баъзан эса уйқусиз оқшомни тонгга уларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

АЛБАН 1 Албанияда яшовчи асосий (туб) миллат (халқ)нинг номи.

2 Шу миллатга мансуб. *Албан тили.*

АЛБАНЛАР Албаниянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

АЛБАТ *назм. айн.* **албатта.** *..Юрагингга албат қўл солгум.* Миртемир**.**

АЛБАТТА [*а.* البتّه – шубҳасиз] *мод. с.* **1** Фикрнинг ёки иш-ҳаракатнинг қатъийлигини, муқаррарлигини, шубҳасиз эканлигини билдиради. *Қори ўрикдан иккитасини Сидиқжонга узатди: -Зап ўрик экан-да, канал битиб, сув сероб бўлиб, боғ-роғ қилганимизда, албатта, шунинг данагидан экамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *крш. с. взф.* Шундай мазмунли муносабатни билдиради; шубҳасиз, турган гап, табиий, бўлмаса-чи. *Мен, албатта, кўзингизнинг оқу қораси бўлган ёлғиз қизингизни ярамас, бўлмағур кишига тутиб берарсиз, деб билмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЛВАСТИ 1 Шарқ мифологияси ва хурофий тасаввурда: гўё ҳар хил қиёфада кўринадиган афсонавий махлуқ. *Кампирларнинг миш-мишларига кўра, киши кўзига кўпинча кечалари эчки бўлиб кўринадиган “ажина” ва “алвасти”лар макони бўлган бу овлоқ жой обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Шу махлуққа нисбатлаш, у билан аталувчи шахс (асосан хотин-қизларга нисбатан). *Шу чоққача бировга сўзини бермаган, бировдан гап эшитмаган Бегим, нотаниш хотиндан дакки едингми, у алвастининг ола-кула кўзларидан қўрқиб, калтагидан қочдингми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АЛВИДО [*а.* الوداع – хайр, кўришгунча, хуш қолинг] *унд.* с. Абадий хайрлашув, видолашувни билдиради. *Алвидо, эй муниси ғамхўр, меҳмоним, онам..* Воқиф. *.. тўплар гумбури остида ўтказилган беш минутлик сукунатдан сўнг кеч қоронғисига чулғанаётган минбардан нотаниш babировнинг фарёди эшитилди: Алвидо, эй жонажон дўстимиз, алвидо!* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЛВИР-ШАЛВИР Усти-боши осилган-солинган, шалвираган; бесўнақай. *Ўзи ҳам дарров салла-чопонни ечиб ташлаб, содда, алвир-шалвир деҳқон сифатига кириб олади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

АЛВОН [*а.* الوان – ранглар] **1** Қизил тусли, қип-қизил, қирмизи. *Бунда гулнинг энг асллари, Бахмал гилам, алвон пойандоз.* Ҳ. Олимжон. *Қуёш тераксзор орқасига ботаётган, ғарб уфқига алвонранг шафақ ёйилган ажиб оқшом эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Чаманда бир гўзал жонон кўринди, Юзи гул-гул ёниб, алвон кўринди.* Ҳабибий.

Қизил алвон Сидирға қизил ип газлама. *Ёвариқ бўйидаги ёзлик ошхона устунларига узун қизил алвон тортилган.* И. Раҳим, Ихлос. *Қизил алвон ёпилган столга ҳаммадан бурун келиб ўтириб олган Тожибой мажлисни очди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қизил рангли мато.

3 Хилма-хил, турли-туман. *Бир уядан неча алвон қуш учади.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. *Остимда ўйнайди юз алвон отим.* М. Алавия.

АЛВОН-АЛВОН Ранг-баранг, хилма-хил, турли-туман. *Атрофида алвон-алвон йигитлар, Шундай қилиб элда давронин сурар.* "Рустам". *Йўл ёқалаб.. оқиш, қизғиш рангли сарин гуллар алвон-алвон бўлиб ёзилган.* Уйғун.

АЛГЕБРА [*лот.* algebra < *а.* الجبر] Математиканинг ҳарфий миқдорлар устида (уларнинг сон қийматларидан қатъи назар) бажариладиган амалларнинг умумий қонуниятларини ўрганадиган бўлими.

АЛГЕБРАИК Алгебрага оид, алгебрага мансуб. *Алгебраик сон. Алгебраик тенгламалар.*

АЛГОРИТМ, алгорифм [*лот.* Algorithmi – X асрда яшаган буюк ўзбек математиги Ал-Хоразмийнинг номидан] Маълум бир турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган амалларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида (дастур). *Алгоритм эса муайян кетма-кет бажариладиган жараёнлар мажмуаси бўлиб, назарий ва амалий масалаларни ечишда ишлатилади.* Газетадан.

АЛДАБ-СУЛДАБ *рвш.* Ёлғон-яшиқ гаплар, ваъдалар билан алдаб, турли йўллар билан авраб. [*Майсара Мулла Рўзига:*] *Киргандан кейин уни алдаб-сулдаб ухлатиб, ундан кейин чиқариб юбораман.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

АЛДАМОҚ 1 Ёлғон-яшиқ гаплар, ваъдалар билан лақиллатмоқ, аврамоқ. *Халқ халқ бўлиб біровни алдаган эмас, аммо.. халқни алдаганлар бўлган, ҳа, сиз бизни алдамасангиз бўлди, бой, биз сизни алдамаймиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Яхши гап, ваъда ва ш.к. билан йўлга солмоқ, кўндирмоқ. *Куёвнинг қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Келин уйга қамалиб олган — на ёлворганга кўнади, на алдаганга.* А. Қаҳҳор, Тўй.

3 Йўлдан урмоқ, йўлдан оздирмоқ. [*Хонзода Жамилага:*] *Эй тентак.. Юзингни біров кўрган билан ейилиб қоладими?.. Шундай қилиб акамни алдайсан-да!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Ёлғон гапирмоқ, ёлғончилик қилмоқ. *-Рафиқ, найни ким чалди? -Йўлчи акам. -А! Ростданми! Алдама!* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Нотўғри тасаввур туғдирмоқ, чалғитмоқ. [*Муса:*] *-Сен біровни ҳам алдама, ўзингни ҳам алдама: мана бу ерда дардинг бор, — деди-да.. унинг кўкрагига аста урди.— Мана бу ерда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЛДАМЧИ 1 Кишини алдашга, аврашга, лақиллатишга уста; алдоқчи. *Бир алдамчи, ўзинг кашмир бўлмасанг, Мадинадан дарров қандай келасан?!* "Ёдгор".

2 Фирибгар, қаллоб. *Буларнинг кайфлари шунчалик чоғ эдики, кўрган киши.. яхши, бор баракадан боши осмонга етган алдамчи савдогарми деб ўйлар, муқаррар шундай деб ўйлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ваъдасида турмайдиган; субути йўқ; ваъдасиз. *-Алдамчи! -Бу алдашлар – алдаш эмас, сиз ҳали қараб туринг, қочқоқ!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ёлғон-яшиқ гапларни кўп гапирувчи; ёлғончи.

5 Чалғитувчи, чалғитадиган, алдайдиган. *Кўнглида бир лаҳза учган беҳуда, алдамчи хаёллардан қутулди.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЛДАМЧИЛИК 1 Алдамчига хос иш, хатти-ҳаракат.

2 Қаллоблик; қалб, эгри иш,

АЛДАМ-ҚАЛДАМ Алдаш, лақиллатиш мақсадидаги, ёлғон-яшиқ. *..ҳечам ёлғон гапирмас, алдам-қалдам гапни хаёлига ҳам келтирмасди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

АЛДОҚЧИ *айн.* **алдамчи.** [*Йўлчи:*] *..Бойларнинг сўзига сира учиш керак эмас. Уларнинг бари алдоқчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЛДОҚЧИЛИК *айн.* **алдамчилик**.

АЛЕБАСТР [*юн.* alabastros] Куйдирилган ва туйилган оқ гипс; ганч (ҳайкалтарошликда, тиббиётда ва қурилишда ишлатилади).

АЛЕУТ 1 Алеут ва Командор оролларининг туб аҳолисини ташкил этувчи халқ (миллат)нинг номи.

2 Шу миллатга мансуб (шахс, жой ва ш.к.). *Алеут тили.*

АЛЕУТЛАР Алеут ва Командор оролларининг туб аҳолисини ташкил этган халқ.

АЛЁ *қ.* **алло.** *Алё! Кадрлар бўлимими?* “Муштум”.

АЛЁР *тар.* Ўтмишда зиёфат ва ш.к.да қадаҳ тутиб айтиладиган сўз ёки қўшиқ. [*Аҳмад сардор*] *Ўзи косагул бўлиб, алёр айтиб, коса бераётипти.* “Хушкелди”. *Қўлларимда лиммо-лим қадаҳ, Менга келди алёр навбати.* Э. Воҳидов.

АЛЁРЧИ Алёр айтувчи, алёр айтишга уста одам.

АЛЖИМОҚ 1 Бўлмағур, бемаъни гап қилмоқ, маза-бемаза, тутуриқсиз гаплар гапирмоқ; валдирамоқ, айнимоқ. *Менинг очиқ кўнгиллилик қилиб алжиётганим учун кечир.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *-Бас, алжима, пардали гапир! — деди хон.* Мирмуҳсин, Чўри.

2 Гап-сўздан янглишмоқ, боши гангиб, мияси айниб, оғзига келганини гапирмоқ. *-Аҳ, нима? ..Билишибдими? — деди у* [*Олахўжа*] *ва ўз пешонасига ўзи қаттиқ бир муштлади-да, яна сўради: -Нима бало, мастлик қилиб алжиб қўйдингми? А!* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЛЖИРАМОҚ *айн.* **алжимоқ**. *Беш-олти қадам нарида кайф билан алжираётган йигитларнинг бири келиб, унга тегажаклик қилди.* С. Зуннунова. Кўк чироқлар.

АЛИ 1: **али деса, бали демоқ** Гап қайтаравермоқ, бир гапдан ҳам қолмай тортишмоқ. *Мен али десам, у бали деб, оғзимни ҳам очирмайди.* **Али хўжа — Хўжа али** Бари бир; иккиси ҳам бир, фарқи йўқ. *Элмурод унинг* [*Мамасаиднинг*] *мақсадини тушуниб, шундай жавоб қилди: -Бари бир. Али хўжа — Хўжа али!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Али (эркаклар исми).

АЛИБИ [*лот.* alibi — бошқа жойда] *ҳуқ.* Айбдор деб гумон қилинаётган шахснинг жиноят содир бўлган пайтда шу жойдан бошқа жойда бўлиши (бу ҳол унинг жиноятга алоқаси йўқлигини тасдиқловчи далилдир). *Шожамил Кабировичнинг қотиллик юз берган кунга тўла алибиси бор. Демак, аввало қотилни топиш лозим.* С. Мирзо, Ярим тундаги қотиллик.

АЛИЗАРИН [*фр.* alizarine < *исп.* alizari — рўяннинг қуруқ илдизи] Рўян ўсимлиги илдизидан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланадиган бўёқ.

АЛИК [*а.* عليك “алайка”, عليكم “алайкум” сўзларининг бузилган, қисқарган шакли] с. *т.* Саломга қайтариладиган жавоб; жавоб саломи. *Алик олмоқ (қайтармоқ). Салом ҳам фарз, алик ҳам фарз.* Мақол. ▬ *Синф бир оғиздан “Ассалому алайкум!” деб қичқирди. Аммо салом аликсиз қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Гулистонликлар андак нарида, — дейишди кампирнинг саломига алик олган кишилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АЛИМЕНТ [*лот.* alimentum — қарамоғидаги, боқимидаги] Қонунда белгиланган ҳолларда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзоси ёки аъзоларини моддий таъминлаш учун мажбуран тўланадиган маблағ, нафақа. *..эри билан уришиб-жанжаллашиб ажрашмагани учун.. алимент ҳам талаб қилмади.* П. Қодиров. Уч илдиз.

АЛИФ I [*а.* الف] Араб алифбосининнг биринчи ҳарфи ва унинг номи.

Алифни калтак (*ёки* **таёқ**) **деёлмайди** *ёки* **ичини** *(ёки* **қорнини**) **ёрсанг, алиф чиқмайди** Бутунлай хат-саводи, маълумоти йўқ, ҳеч нарса билмайди. *Акам фақирнинг қорнини ёрсанг, алиф чиқмайди-ю, тағин фалону писмадон деганига куяйми!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йўғ-э, қанақа қилиб ўқирдим. Алифни калтак деёлмайман-ку.* Ойдин, Садағанг кетай командир. **Алиф қомат** Қадди-қомати келишган, хушқомат, сарвқомат. [*Ҳайитжон Тўлахонга:*] *Кўзимиз билан кўрдик, худога шукур: қоши, кўзи қундуздек, бурунлари бодомдек, қизил юз, алиф қомат, суқсурдек йигит экан.* Ҳамза, Холисхон.

АЛИФ II [*юн.* aleipha — ёғ] Ўсимлик, асосан зиғир ёғидан қиздириб тайёрланган ва бўёқчиликда ишлатиладиган мой.

АЛИФБЕ 1 *айн.* **алифбо.**

2 Бошланғич савод чиқариш китоби. *Биринчи синф ўқувчилари учун алифбе.* ▬ *Фақир халқнинг фарзандлари алифбега зор.* Ойбек, Нур қидириб.

3 *кўчма* Бирор маслак, таълимот, илм ва ш.к. нинг бошланғич асослари, энг оддий қоидалари. *Муҳаммад Жамол алифбесидан бошлаб, дўстининг онгидан хурофотлар булутини тарқатишга тиришди.* Ойбек, Нур қидириб.

АЛИФБО [Араб алифбоси бошидаги 1-ва 2-ҳарф (*алиф* ва *бо*) номидан] Бирор тил ёзув шаклларининг (ҳарф ва белгиларининг) маълум тартибда жойлашган мажмуи. *Ўзбек алифбоси.*

АЛИФЛАМОҚ Алиф бермоқ, алиф суртмоқ.

АЛИФМОЙ *қ.* **алиф** II.

АЛИШ *шв.* **1** Сувайирғич, икки ёки бир неча дарёни бир-биридан ажратиб турувчи баландлик.

2 *айн.* **тўғон 1, 2**. *Низом полвон сой ва дарёга сепоялар тикиб, алишлар кўтаргани учун.. уни мироббоши деб аташган.* Й. Шамшаров. Тошқин. *..икки улкан қувурни бир-бирига қўшган алиш устига чиқди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

3 *айн.* **адаш** II.

АЛИШИНМОҚ 1 Алишмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 *кам қўлл.* Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтмоқ, айланмоқ. *Отабекдаги бояги тушунмаслик бир шубҳага алишинди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЛИШМОҚ Айирбош қилмоқ, айирбошламоқ. *Кел, соатимизни алишамиз. Қаламни ручкага алишмоқ. Бу китобни бошқа ўнта китобга ҳам алишмайман.*

АЛКАЛОИД *қ.* **алкалоидлар**.

АЛКАЛОИДЛАР [*а.* القلى/القلو — ишқор + *юн.* eidos — ўхшаш, кўриниш] *ким.* Асосан ўсимликларда бўладиган азотли органик моддалар (уларнинг баъзилари, мас. атропин, морфин, хинин, кодеин кабилар дори сифатида қўлланади).

АЛКАШ [*р.* "**алкоголик**" сўзидан] *с.т.* Ичкиликка берилган, ружу қилган. -*Э, ҳозир ичмайман, — деди Неъмат, — нима бир ўзим ичиб.. Алкашманми.* "Ёшлик". *Улар учун академик ҳам бир, кўчада ётган алкаш ҳам бир.* Т. Малик. Шайтанат.

АЛКИМЁ [*а.* الكيميا — кимё, химия] **1** Кимё фанининг арабча номи.

2 Ҳозирги кимёнинг ибтидоси бўлиб, ўрта асрларда унинг асосий мақсади оддий металларни олтин ва кумушга айлантириш бўлган.

АЛКОГОЛИЗМ *тиб.* Ашаддий ичкиликбозлик, саломатликка ва меҳнат қобилиятига зарар етказадиган даражада, мунтазам равишда меъёридан ортиқ спиртли ичимликлар ичиш, алкоголга берилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик.

АЛКОГОЛИК Алкоголизмга мубтало бўлган шахс; арақхўр, пиёниста, ичкиликбоз.

АЛКОГОЛЬ [*а.* الكحل — майин кукун, الكحول — спирт] **1** *ким.* Молекулалари таркибида кислород ва водород атомлари гуруҳи бўладиган бирикмалар; спиртлар.

2 Арақ, вино спирти ва умуман спиртли ичимликлар.

АЛЛА I **1** Гўдакни ухлатишда яккахон усулида айтиладиган қўшиқ. *Алла айтмоқ.* ▬ *Кўнглимга битмас фароғат берди онам алласи, Бўронли йиллар жасорат берди онам алласи.* Ё. Мирзо. *Кейин* [*Тўхтахон*] *бирдан алла айта бошлади: -Бўйларингга бўй тумор бўлай, болам, алла, Кўзларингга кўз тумор бўлай, болам, алла.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Бешик тўйида бешик олиб келган аёллар томонидан айтиладиган қўшиқ.

АЛЛА II: **алла бўлмоқ** с. *т.* Чархпалак бўлмоқ, чирпирак бўлиб, умбалоқ ошиб йиқилмоқ, қуламоқ. *Қоқилиб кетиб, алла бўлди.* **Алла қилмоқ** 1) чархпалак қилмоқ, даст кўтариб йиқитмоқ, кўтариб урмоқ. У [*Элмурод*] *кийимларини қоқар экан, йигитлар атрофини ўрашиб, шовқин, кулги билан ҳазил қилишди: -Бай-бай, зўр экансиз-а! Полвонни алла қилиб қўйдингиз-а!* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) *кўчма* боплаб алдамоқ, фириб бермоқ. -*Ўзимизам алла қилиб қўлга туширувдик,— деди Соли совуқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) ухлатмоқ.

АЛЛАВАҚТ Анча кеч пайт, ярим кеча. *Аллавақтгача уйқум келмади. Уйга аллавақтда келди.*

АЛЛАКИМ *гум. олм.* Қандайдир номаълум шахс, кимдир. *Мишмишларни унга ҳамма вақт аллаким айтган бўлади. Ким айтганини сира эслай олмайди.* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи.

АЛЛАЛАМОҚ 1 Алла айтиб ухлатмоқ. *Насиба боласини беланчакка* солиб *аллаламоқда.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 *кўчма* Ардоқламоқ, паҳпаҳламоқ. [*Жамила Ғофирга:*] *Кетамиз! Мағорада яшасак ҳам, ишқимни куйлаб, сизни аллалай.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

АЛЛАМАҲАЛ *айн.* **аллавақт**. *Болалар ухлаб қолди-ю, катталар алламаҳалгача ухлашмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Алламаҳалда Давлатёр Элмуродни ҳужрасига узатиб қўяр, улар йўл-йўлакай ҳар тўғрида бир талай гаплашардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЛЛАНАРСА *айн.* **алланима**.

АЛЛАНЕЧА *гум. олм.* Қанчалиги номаълум, аллақанча, бир неча. *Алланеча киши.* ▬ *Йигитлар, қизлардан алланечаси ўйинга тушмоқда, сузилмоқда май.* С. Назар.

АЛЛАНЕЧУК Қандайдир ноаниқ бир тарздаги, аллақандай. *Унинг кўнглини алланечук шубҳалар қоплаб олди.* ▬ *Ўктам алланечук ўнгайсизланиб, қизариб, Жўрага қаради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Нури юрак сирини яширишга қанча уринмасин, она нимадир пайқаб, тинчсизланди: -Нега бундай алланечуксан? — шивирлаб сўради у.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЛЛАНИМА *гум. олм.* Ноаниқ, номаълум бир нарса; нимадир. *Девор остига алланималар уйиб қўйилган.* ▬ [*Самандаров*] *Қўлидаги қоғозни Болтабойга бериб, унга алланимани тушунтира кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АЛЛА-ПАЛЛА Анча кеч вақт, аллавақт; ярим кеча. *Келди-кетди кечаси алла-паллагача давом этди.* ▬ *Навоий фикрларнинг базмига, қаламнинг оҳангига берилиб, вақтнинг алла-палла бўлганини сезмай қолди.* Ойбек, Навоий.

АЛЛАҚАЙСИ *гум. олм.* Қайсилиги аниқланмаган, номаълум ёки ёддан кўтарилган. *Аллақайси куни мен уни кўрган эдим.* ▬ *Эшелон Оренбургдан ўтди, аллақайси станцияда бир неча соат тўхтаб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

АЛЛАҚАНДАЙ *гум. олм.* **1** Қандайдир ноаниқ, номаълум, нотаниш. *Отаси бечора.. эл-халқдан номус қилганидан аллақандай шаҳарларга бадарға бўлиб, яқинда келди.* Ҳамза, Холисхон.

2 *айн.* **алланечук**. *Элмурод собиқ хўжайин билан кўчада дуч келиб қолса, дастлабки кезларда аллақандай бўлиб кетар, ноилож бош ирғаб саломлашарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЛЛАҚАНЧА *гум. олм.* Қанчалиги номаълум, бир қанча, бир талай, кўпгина. *Аллақанча одам. Аллақанча вақт. Аллақанча пул.* ▬ *Йигитнинг наслини айбситиб бўлмайди, тўғрисига кўчганда, бу йигит наслан биздан аллақанча юқорида туради!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЛЛАҚАЧОН *рвш* Анча вақт олдин, анча илгари, анча бурун. *Аллақачондан бери.* ▬ *Отабек онасининг аразига аллақачон тушунган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тонг аллақачон ёришган. Осмон, ҳар вақтдагидек, булутлардан холи, беғубор, тиниқ, кўм-кўк.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

АЛЛЕГОРИК Аллегорияга оид, аллегориядан, мажоздан иборат бўлган; мажозий.

АЛЛЕГОРИЯ [*юн.* allegoria — ўзгача ифодалаш] Мавҳум тушунча ёки ғояларни аниқ бир образ воситаси билан ифодалаш; мажоз. Масалан, *бўри* сўзининг ёмонлик (ёвузлик), *тулки* сўзининг айёрлик ифодаси учун қўлланиши.

АЛЛЕРГЕН [аллергия + *юн.* genos — туғилиш, пайдо бўлиш] Аллергияни юзага келтирувчи модда. *Кимёвий аллергенлар.*

АЛЛЕРГИК Аллергияга оид, аллергия туфайли юзага келган. *Аллергик касалликлар.*

АЛЛЕРГИЯ [*юн.* allos — бошқа + ergon — таъсир] Организмнинг атроф муҳитда учрайдиган, аллергенлар деб аталувчи баъзи омиллар (кимёвий моддалар, микроблар ва уларнинг ҳаёт фаолиятида ҳосил бўладиган маҳсулотлар, озиқ-овқатлар) таъсирига нисбатан ўта сезгир бўлиши.

АЛЛЕРГОЛОГИК Аллергологияга оид. *Хасталикни келтириб чиқарган "сабабчи аллерген"ни махсус аллергологик текшириш услуби билан аниқлаб оламиз.* Газетадан.

АЛЛЕРГОЛОГИЯ [аллергия + *юн.* logos — таълимот] Тиббиётнинг аллергик касалликларнинг юзага келиш сабаблари, ривожланиш механизми ва уларни даволаш усуллари билан шуғулланувчи бўлими.

АЛЛИГАТОР [*исп.* el lagarto — калтакесак] Тимсоҳлар туркумига кирувчи судралиб юрувчилар оиласи.

АЛЛИТЕРАЦИЯ [*лот.* ad — олд, -га, -да + litera — ҳарф] Мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши, сажъ. *Қаро қошинг, қийиқ қошинг, қуюқ қайрилма қошинг қиз..* Э. Воҳидов.

АЛЛО [*ингл.* hallo] *унд.* с. Телефон орқали сўзлашганда, "эшитаяпман" ёки "эшитаяпсизми" деган маъноларда қўлланади. *Алло, ким гапиряпти?*

АЛЛОМА [*а.* علّامه — энг билимдон, зўр олим] *кт.* Илм-фаннинг бир ёки бир неча соҳасини мукаммал эгаллаган шахс; қомусий олим. *Жаҳон илми хазинасига буюк ҳисса қўшган алломаларимизнинг таваллуд саналари.. кенг нишонланаётганлиги.. мустақиллигимиз самарасидир.* Газетадан.

АЛЛОФ [*а.* علّاف — хашак, пичан сотувчи] *эск.* Ун, буғдой савдоси билан шуғулланувчи савдогар. *Ун ялаган аллоф, қон ялаган қассоб.* ▬ *Баҳори арпанинг уруғини мен бир аллофдан олган эдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

АЛЛОҲ [*а.* الله – илоҳий куч, худо] Ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи (Кейинги йилларда, маҳаллий талаффузга мос ҳолда "оллоҳ" тарзида ҳам қўллана бошлаган ва қўлланяпти).

АЛМАНАХ [*лот.* almanachus < *а.* المنح – совға; инъом, мукофот; вақт, календарь] Турли муаллифларнинг жанр, мавзу ва бошқа белгилар асосида бирлаштирилган бадиий асарлари тўплами. *Ёш талантларнинг асарлари ҳозирча альманах ҳолида чиқарилади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

АЛМАШИНМОҚ **Алмашмоқ** фл. ўзл.н.

АЛМАШИНУВ **Алмашинмоқ** фл.ҳар.н.

Модда алмашинуви *қ.* **модда.** *Организмда бирон хил витаминнинг етишмаслиги модда алмашинувини жиддий издан чиқаради.* "Саодат".

АЛМАШЛАМОҚ Айирбошламоқ, алиштирмоқ; янгиламоқ.

Алмашлаб экиш Қишлоқ хўжалик экинларини далалар ва йиллар бўйича илмий асослаган ҳолда навбатлаб экиш.

АЛМАШМОҚ **1** *айн.* **алишмоқ**. *Кел, отимизни алмашамиз.*

2 Бир-бирининг ўрнини олмоқ, эгалламоқ; алмашинмоқ, янгиланмоқ. *Катта станцияларда паровоз алмашади.* ▬ *Жабборнинг кўзларидаги табассум яна таажжуб билан алмашди.* О. Ёқубов, Учрашув. *Германияда канцлер алмашди.* Газетадан.

3 Адаш бўлиб қолмоқ. *Шляпам алмашиб қолибди.*

Фикр алмашмоқ Бир-бирининг фикри билан ўртоқлашмоқ.

АЛМАШТИРМОҚ **1** **Алмашмоқ** фл. орт. н. *Смена алмаштирмоқ. Кийимни алмаштирмоқ. Калишимни кимдир алмаштириб кетибди.* ▬ [*Моҳира ойим*] *Олдирган кийимлик Хушрўйга ёқмас, дарров ярамаганини айтиб, алмаштириб беришга дадасини мажбур этар ва кўнглидагини ҳосил қилиб тинчир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Айирбош қилмоқ, алишмоқ.

АЛМИСОҚ [*а.* الميثاق – аҳд; қасам; шартнома, битим]: **алмисоқдан бери** *(ёки* **буён**) Жуда қадим замонлардан бери. *Алмисоқдан бери ерда, захда ўтириб, қоронғи хонада ўқиб келган авлод бирданига оппоқ, ёруғ, тоза хонада, ўриндиқларда ўтириб ўқишса-я, бу ҳурматни ким кўрган, ким эшитган?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Алмисоқдан қолган** Қадимги замондан, дақёнусдан қолган, жуда эски. *Арава бўлса алмисоқдан қолган, яна синибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЛМИСОҚИ **1** Қадимги, бурунги, жуда эски. *Алмисоқи лип-лип чироқ. Алмисоқи омочбўйинтуруқ.*

2 *кўчма* Сийқаси чиққан, чайналган, кўнгилга урган (гап, сўз ҳақида).

АЛМОЙИ-АЛЖОЙИ с. *т.* Бўлар-бўлмас, келишмаган, қовушмаган. *Алмойи-алжойи хат.* ▬ *Анвар бу йигитчанинг тўй-маъракаларда бир-икки алмойи-алжойи гапларини эшитиб, энсаси қотгани учун унга рўйхуш бермас эди.* Т. Малик, Шайтанат.

АЛО [*а.* على – устига]: **нур(ан) ало нур** (*л. м.* нур устига нур) *қ.* **нур**. *Ихтиёр ўзингизда, кутмайман десангиз, айтиб кўринг, хўп деса, нур ало нур.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

АЛОЙ *айн.* **алоэ.** *Алойдан.. уй табобатида жуда қадимдан фойдаланиб келишган.* "Саодат".

АЛОМАТ [*а.* علامت – белги] **1** *от* Шартли равишда қабул қилинган ёки қўйилган белги, ишора. *Савол аломати. Тенглик аломати.* ▬ *Чайко ўз сумкасидан харитани олиб, топографик аломатлар билан белгилаб қўйилган дарё қирғоғидаги уйни кўрсатди.* Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача.

2 *от* Бирор воқеа, ҳодиса, вазият, ҳолат ва ш.к. дан дарак берувчи белги, нишона. *Шодлик аломати. Қўрқув аломати. Сукут – аломати ризо.* Мақол. ▬ *Соқолининг оқлигига қарамасдан, унинг қаддида кексалик аломатлари сезилмас ва тусида ҳам унча ўзгариш йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Касалликнинг бу аломатларидан ташқари, беморнинг боши оғрийди, тинкаси қурийди, ланж бўлади..* Газетадан. *Аваз, "бу қандай аломат бўлди?" деб, ҳар тарафга қаради.* "Маликаи айёр".

3 *от* Рамз, символ, нишон, эмблема. *Унинг* [*жувоннинг*] *эгнида темир йўл ишчиларининг формасида тикилган костюм, ёқасида қизил юлдуз аломати ҳам бор.* Ойдин, Эр юрак.

4 *сфт.* Ижобий хислатларга эга бўлган, жуда ажойиб, олижаноб. *Тавба,* [*Матқовул*] *аломат одам-да. Бу дунёда шунақа одамохунлар.. бор экан-да!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳозиргина "бунинг тагига етсак, аломат*

иш бўлар эди” демадингизми? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 *сфт.* Кишини ҳайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган; ажиб. *Не аломат савдолар.*

АЛОЭ [*юн.* aloe] **1** Пиёздошлар ёки лоладошлар оиласига мансуб, серсув ва этдор баргли тропик ва субтропик ўсимлик; сабур.

2 Шу ўсимлик баргининг ширасидан тайёрланган дори.

АЛОҚА [*а.* علاقه – боғланиш, муносабат] **1** Турли воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш; халқ хўжалигининг почта, телефон, телеграф, радио, телевидение ва б. орқали ахборотларни узатиш ва қабул қилишни, почта орқали буюмлар юборишни таъминлайдиган тармоғи. *Почта алоқаси. Телефон алоқаси.*

2 Кишилар ёки нарсалар, воқеалар, ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабат, ички боғланиш. *Саноатнинг деҳқончилик билан алоқаси. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси. Ҳокимиятнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқаси.*

3 Кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги муомала, муносабат, боғланиш; борди-келди. *Қардошлик алоқаси. Дўстлик алоқаси. Савдо алоқалари. Алоқамиз яхши. Алоқалари ёмон. Алоқа боғламоқ. Алоқада бўлмоқ. Алоқа қилмоқ.* ▬ *Хуллас, алоқамиз бузилиб қолди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. [*Анвар*] *Яхши оилага куёв бўлганидек, шаҳардаги бошқа давлатмандлар билан ҳам алоқа боғлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [*Ҳакимбойвачча*] *Абдишукур билан яхши алоқада бўлишга тиришар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Дахлдорлик, тегишлилик, дахл. *Очил “бу гапларнинг менга алоқаси йўқ” дегандай қилиб, қадамини тезлаштирди ва коридор тўла студентларга аралашиб, кўринмай кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Уларни, биринчи навбатда, жиноятга алоқаси бор, шубҳали ҳаёт кечирувчилар ёқтирмайди.* Газетадан.

5 Севги муносабатлари. *Анвар хусусий ҳаёти, айниқса, Раънога алоқасидан ҳеч кимга оғиз очмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АЛОҚАДОР Муносабати, алоқаси бўлган; дахлдор. *Мавзуга алоқадор китоб ва қўшимча материаллар.* ▬ *Кундалик дафтарда бу сафаримга алоқадор ва алоқасиз кўп нарсалар ёзилган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

АЛОҚАДРИҲОЛ [*а.* على قدر حال – ҳолига қараб] *эск. рвш.* Кучи, қурби етганича, қўлдан келганча, ҳолига яраша. *..деҳқонлардан баъзилари алоқадриҳол бир лаганда анжир, тўртта қатлама.. кўтариб кириб кела бердилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

АЛОҚАЛИ *айн.* **алоқадор.**

АЛОҚАЧИ 1 Алоқа ходими, алоқа ишлари хизматчиси.

2 *ҳарб.* Алоқа хизматининг аскари, зобити. *Элмуроднинг ўйини кириб келган полк алоқачиси чалғитди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

АЛОҚ-ЧАЛОҚ: алоқ-чалоқ туш Қовушмаган, боши-кети йўқ, қўрқинчли туш. *Эъзозхон эрининг йўлини тўсиб, қаттиқ туриб олди: ..Алоқ-чалоқ туш кўриб чиқдим. қўйинг, бормай қўя қолинг.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

АЛОҲА(Л) [*а.* على حال – ҳозир, шу дамда] *рвш. кам қўлл.* **1** Ахири, ниҳоят. *..сувсизликдан, мадорсизликдан ўлар ҳолатга келган карвон алоҳа ям-яшил дарахтзор, гўзал бир мавзега келиб қўнди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Зўрға, базўр, аранг. *Ундан алоҳал қутулдим..*

АЛОҲИДА [*а.* على حده – ажратилган, бўлак ҳолда] **1** Бошқалардан ҳоли, айрим. *Алоҳида ҳужра. Алоҳида уй.* ▬ *Нури алоҳида хонада ўз ўртоқлари – обрўли оилаларнинг қизлари билан ўлтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзига мустақил; бўлак. *Шу мақсадда унга* [*беморга*] *қайноқ сувда қайнатилган алоҳида идиш-товоқ, сочиқ, дастрўмолча берилади.* Газетадан.

3 Ўзига хос, бошқалардан фарқ қиладиган, ажралиб турадиган; бошқача. *Алоҳида парвариш. Алоҳида меҳрибонлик. Алоҳида эътибор. Алоҳида эътибор бермоқ.* ▬ *Ўтмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *.. алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида.* Газетадан. *Катталар билан машғулот Элмуродга алоҳида завқ берар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЛОҲИДА-АЛОҲИДА Ҳар бири ўзига холи, мустақил, бўлак-бўлак, айрим-айрим. *Алоҳида-алоҳида хона. Алоҳида-алоҳида кўздан кечирмоқ.*

АЛОҲОЛ *қ.* **алоҳа (л)**. *Хотинлар чеккачеккадан тобора қаттиқ ёпишишарди. Алоҳол Шакар минғиллаб тилга кирди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

АЛП 1 Қадимги туркий халқларда икки қўшин ўртасидаги жанг бошланишидан олдин яккама-якка олишувда иштирок этувчи жангчи.

2 *фольк.* Ўзбек халқ достонларида ғайритабиий куч-қуввати, мардлиги, жасорати ва ш.к. билан ажралиб турадиган қаҳрамон сифати. *Ўзи экан номи кетган паҳлавон, Алп Авазни кўрдингизми, онажон.* “Зулфизар билан Авазхон”.

АЛПАНГ-ТАЛПАНГ *рвш.* Лапанглаб, у ёқдан-бу ёққа чайқалиб, энтак-тентак. *Гўдак алпанг-талпанг юра бошлади.* ▬ [*Солиҳ махдум*] *Алпанг-талпанг ичкарига кириб, ўқувчи қизлар ичидаги Нигор ойимни ўз ёнига чақирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АЛПИ-САЛПИ *айн.* **алпанг-талпанг.** [*Гулнор*] *Қўлларини алпи-салпи қимирлатиб, гўё онасини қучоқламоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЛПОЗДА с. *т.* (маълум сўзлар билан) Аҳволда, тарзда. *Кеча кечқурун бинойидек юрган Муаззам опа, тун ярмидан оққанда, оёқлари зирқираб оғриб, уйғониб кетди. Шу алпозда анчагача ухлолмай ётди.* Р. Файзий, Балли, она қизим. *Ҳоким халққа минг алпозда ўкириб, ҳаммани ҳақорат қилиб кетгандан кейингина у уйига қайтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бир алпозда 1) бир тарзда. *Бегижон билан оқсоқол беўхшов бир алпозда қотиб қолишди.* “Ёшлик”*;* 2) ночор аҳволда. *Бир алпозда кийинган йигитни кўриб, саломига зўрға алик олипти.* “Олтин бешик”.

АЛПОН-ТАЛПОН *айн.* **алпанг-талпанг.** [*Холжон хола*] *Алпон-талпон қадам қўйиб чиқар экан.. оёғи тойиб, йиқилиб тушди.* Ғайратий, Довдираш.

АЛФАВИТ [*юн.* alfabetos – юнон алифбосининг дастлабки икки ҳарфи (алфа + бета) номидан] *қ.* **алифбо.**

АЛФОЗ [*а.* الفاظ – сўзлар] *эск. кт.* Сўз, сўзлар, иборалар. *У менга яқин келгач, уни оғзимга келган алфоз билан сўка бошладим.* С. Айний, Жаллодлар.

АЛФОЗДА *қ.* **алпозда**. *Муфтий эса шу алфозда токи пешингача Қуръон оятларидан тиловат қилишда давом этди.* Газетадан.

АЛЪАМОН [*а.* الامان – раҳм-шафқат, ёрдам] *унд. с. эск.* Жангда таслим бўлган томоннинг омонлик сўраб қиладиган хитоби, мурожаати. *Девлар дейди: алъамон, Одамхўрку бу Замон.* “Нигор ва Замон”.

АЛЬБАТРОС [*фр.* albatros] Найбурунли қушлардан бири, тумшуғи узун, қанотлари ингичка ва кенг, учқур йирик денгиз қуши.

АЛЬБОМ [*фр.* album < *лот.* albus – оқ, ёрқин] Расм чизиладиган, шеър, қўшиқ, хотира ва ш.к. ёзиладиган, дафтар ҳолида муқоваланган қалин варақлар мажмуи; фотосуратлар сақланадиган ёки турли-туман марка ва ш.к. ёпиштириладиган қалин муқовали дафтар; бирор мавзуга доир расмлар, суратлар, чизмалар ва ш.к. нинг изоҳлар билан таъминланган босма тўплами. *Суратлар альбоми. Чизмалар альбоми.* ▬ *..альбом кўриб ўтирар экан, суҳбатни қандай бошлаш ҳақида ўйлар эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

АЛЬПИНИЗМ [Альп тоғлари номидан] Спортнинг тоғ чўққиларига, тик қояларга, муз тоғларига чиқиш билан боғлиқ тури.

АЛЬПИНИСТ Альпинизм билан шуғулланувчи киши. *Альпинист деганча бор экан. Юришнинг кўп ҳаддини олган* экан. М. Мансуров, Ёмби.

АЛЬТ [*итал.* alto < *лот.* altus – юқори, баланд] *мус.* **1** Умумий хорда – хонанда хотин-қизлар ёки болаларнинг ингичка овози (тенордан баландроқ эшитилади).

2 Шу овоз билан ашула айтувчи хонанда.

3 Паст регистрда камонча билан чалинадиган, скрипкадан каттароқ, торли мусиқий асбоб.

АЛЬТЕРНАТИВ Мумкин бўлган икки ёки бир неча имкониятдан бирини танлашга асосланган; муқобил. *Альтернатив хизмат.*

АЛЬТЕРНАТИВА [*фр.* alternative < *лот.* alter – иккитадан биттаси] **1** Бир-бирини инкор этувчи имкониятлардан бирини танлаш; муқобиллик.

2 Шу имкониятлардан ҳар бири.

АЛЬТИМЕТР [*лот.* altum – баландлик + *юн.* metron – ўлчам, ўлчов] Учиш аппаратларининг ердан баландлигини ўлчовчи асбоб; баландлик ўлчагич.

АЛЬТЧИ Альт чалувчи созанда (*қ.* **альт 3**).

АЛЬФА [*юн.* alfa] Юнон алифбосининг биринчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

АЛЬФА-ЗАРРАЛАР Баъзи радиоактив моддаларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган, мусбат зарядланган зарралар оқими.

АЛЬФА-ТЕРАПИЯ Альфа зарралар таъсирида даволаш; нур билан даволашнинг бир тури.

АЛЬЯНС [*фр.* alliance – бирлашма] Иттифоқ, бирлашма (одатда, давлатлар, ташкилотлар иттифоқи).

АЛЮМИН *с.т. айн.* **алюминий**.

АЛЮМИНИЙ [*лот.* alumen, aluminis – аччиқтош] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб, енгил, кумушранг-оқ кимёвий элемент.

АЛҚАМОҚ *с.т. айн.* **олқамоқ.** .. *"тупроқ олсанг – олтин бўлсин, мартабали бўлинглар", дея алқаганлари-алқаган.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

АЛҚАНДОЗ *с. т.* Қийшанғи, серқилиқ одам; масхарабоз, майнабоз.

АЛҚИССА [*а.* القصّه – тарих; ҳикоя] *эск. кт.* Шундай қилиб, хуллас калом; қисқаси, хуллас. *Алқисса, тўй тўғрисида волида бирлан маслаҳатлашиб..* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

АЛҚОР *қ.* **архар**. *Тоғда асов алқоримдан, ҳар нима йўғу боримдан, қаторда юрган норимдан – барисидан жудо бўлдим.* "Равшан".

АЛҒОВ *тар.* Икки деҳқон ўртасидаги қўш ҳўкиз.

Алғов қилиб ер ҳайдаш Ўртадаги қўш ҳўкиз билан бир-бирининг ерини галма-галдан ҳайдаш.

АЛҒОВ-ДАЛҒОВ *с. т.* **1** Ағдар-тўнтар, урйиқит, тартибсизлик. *Ҳозир ишбилармон одамлар озми! Лекин алғов-далғовдан фойдаланиб, раислик лавозимига яна Равшан полвон чиқиб олса-чи?* О. Ёқубов, Ларза. *Ҳамма ёқ алғов-далғов, машинанинг эҳтиёт қисмлари, автомагнитофон ва бошқа бир қанча қисмлари ўғирлаб кетилган эди.* Газетадан.

Алғов-далғов ишламоқ Ўзаро ёрдамлашиб, ерларини ишламоқ. *Улар ёз пайтларида, дала иши айни авжига чиққанда, бирбирларининг ерида алғов-далғов ишлашиб, оғирларини енгил қилиб яшашар эди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Тинчсизлик, бесаранжомлик, ғулғула, ғалаён, тўс-тўполон. *Милтиқ товушлари билан бошланган алғов-далғовлардан юраги пўкиллаб қолган муллавачча яна бир тасодифдан қутулганига шукур қилиб, ўрнидан турди-да, ҳовлига чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу вақтда юрт алғов-далғов эди.* Й. Шамшаров, Ғурумсойликлар.

АЛҲАЗАР [*а.* الحذر – ҳазар қил, эҳтиёт, ҳушёр бўл, сақлан] **1** *дин.* Худо сақласин. *Алҳазар, ярамас кўздан алҳазар.* Ғ. Ғулом. *Парихон отин бир нималар деб, Баҳоуддин пиримни тилга олди-да, "ҳов ёмондин алҳазар.." деди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *унд. с. взф.* Тавба. [*Ҳусайн:*] *Иблис, муттаҳам, нега айтмадинг?* [*Мажддиддин:*] *Нимани, шоҳим?* [*Ҳусайн:*] *Алишер билан Гули ўртасидаги муҳаббатни, аблаҳ!* [*Мажддиддин:*] *Ё алҳазар! Бу гапларни биринчи мартаба эшитиб турибман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

АЛҲАМДУЛИЛЛО(Ҳ) [*а.* الحمدلله – худога шукур] Оллога шукур, худога шукур. [*Ёрмат*] *Ҳалқумини бўғган йиғидан қийналиб базўр гапирди: -Алҳамдулилло, кўрдим, тирик экансан, ноқобил болам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Алҳамдулиллоҳ, 1993 йил ҳукуматимиз фармони билан ҳазрат Баҳоуддиннинг 675 йилликларини нишонлаган эдик.* Газетадан.

АЛҲОЛ [*а.* الحال – ҳозир, шу пайтда] *эск. кт.* Ҳозирда, шу пайтда, айни вақтда. *Алҳол сенга-да шу ҳукм жорий этилади.* Т. Мурод, Отамдан қолган далалар.

АЛҲОСИЛ [*а.* الحاصل – қисқаси, алқисса] *эск. кт.* Хуллас калом, қисқаси.

АМАКИ [*ф.<а.* عمّ – амаки] **1** Отанинг акаси ёки укаси (жиянга нисбатан). *Катта амаки. Кичик амаки.* ▬ [*Абдишукур*] *Бир қанча вақт бекор юргач, "ишбилармон" амакисининг ёрдами билан, ниҳоят бир бойга мирза бўлди ва хизмат учун Тўқмоқ шаҳрига жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзидан катта эр кишига мурожаатда ёки ҳурмат юзасидан ишлатилади. [*Мирзакарим қутидор*:] *Мени эслай оласизми,* бек? – *Отабек диққат ва эътибор билан қутидорни кузатиб, жавоб берди:-Йўқ, амаки!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳали куёв бўлиш вақтини аниқлай олмаган ва Ҳадичанинг розилигини ололмаган бўлсам ҳам, ёшлар мени "Нормурод ака" ёки "Нормурод амаки" демасдан, "Нормурод куёв" дея бошладилар.* С. Айний, Қуллар.

3 Умуман эр киши (ўзидан кичикларга нисбатан). *Зиё шоҳичи уларни Отабекка танитди: -Амакилярингизни сиз танимагандирсиз, албатта, – деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бу иш *(ёки* **нарса)** **амакингиз эмас** Бу иш (нарса) ҳазил эмас, бу иш (нарса) осон эмас; жиддий, қийин.

АМАКИВАЧЧА Ака-укаларнинг ўғил-қизлари (бир-бирларига нисбатан). *-Асли-*

да Фотима менга туғишган жигар, биз амакиваччамиз,— дейди Зуҳрахон. Н. Ёқубов, Бўсағада.

АМАЛ [*а.* عمل – иш, ҳаракат] **1** Илм, назария, фикр ва ш.к.нинг ҳаётий реаллашуви. *Илм амал билан шарофатлидир.* F. Fулом.

Амалга ошмоқ Юзага чиқмоқ, вужудга келмоқ; барпо бўлмоқ; бажарилмоқ. *Орзулар амалга ошди. Режа амалга ошди.* ▬ *Бу ишга ҳам бирорта азамат бош қўшса, ажаб эмас, амалга ошса.* Ойдин, Ҳазил эмиш. **Амалга оширмоқ** Юзага чиқармоқ, вужудга келтирмоқ; бажармоқ; жорий қилмоқ. *Мақсадни амалга оширмоқ. Режани амалга оширмоқ.* **Амал қилмоқ** 1) ҳисобга олиб иш тутмоқ, риоя қилмоқ. *Қонунга амал қилмоқ. Илмига амал қилмаган мулладан устига хуржун ортилган эшак яхши.* Мақол; 2) таъсир қилмоқ (дори-дармон ҳақида). *Шифосиз касалга ҳар бир дори-дармон заҳардек амал қилар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эътиқодга оид иш, ақида иши. *Зотан, инсон хотиржам яшамас экан, унинг кўнглига ибодат ҳам, хайру эҳсон ҳам, бошқа яхши амаллар ҳам сиғмайди.* Газетадан. *Ал-маъруф деганда.. бажарилиши лозим бўлган барча исломий амалларни тушунамиз.* Газетадан.

3 Умуман, бажарилиши лозим бўлган иш, амалий иш. *Вирусли гепатит касаллиги билан оғримаслик учун қуйидаги амалларга риоя қилиш лозим.* Газетадан. *Биз ҳам ўз ҳаракатларимиз, амалимиз билан ёшлар орасига кўпроқ кириб боришимиз керак.* Газетадан.

4 Масъул вазифа, мансаб. *Амалга мағрур бўлсанг – тўздирар.* Мақол. ▬ *Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанга, халқига қилган хизмати билан ўлчанади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Амал тегмоқ *кест.* Катта иш, мансаб тегмоқ. *Бо-о худо! Аммангга ҳам амал тегиб қолган. Кечаю кундуз чурвақалар билан ўралашгани-ўралашган.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

5 Илож-имкон, чора. *Гарчи режа бузилди, лекин бир амалини қиламиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 *кўчма* Уйғониш, ҳаёт бошланиши (ўсимлик, дарахт кабилар ҳақида). *Амал вақти етганда, ток, анор, анжир кўмилган жойида туриб ҳам кўкараверади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

Амал олмоқ Кўкармоқ, тутмоқ. *Ниҳол жилдираб сув оқиб турган жўякка экилмаса, амал олмайди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

7 *мат.* Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. *Тўрт амал. Арифметика амаллари.*

8 *этн.* Иситиш, совитиш, бировнинг ишини орқага кеткизиш, турган уйидан бездириш ва ш.к. мақсадларда дам солинган нарса; сеҳр-жоду. *Фолбин бир нимани енг учидан чиқариб берди. Бу "амал" эди. Бу кичкина тугунчак ичида мозор тупроғи, темиртак, тобутнинг чўпи, совун, ўлик тирноғи ва ҳоказолар бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг гапига кўра, шомонлар ўз амаллари билан турли бало-қазоларни даф этиб..* Газетадан.

АМАЛДА 1 Амал с. ў.-п. к. *Амалда бунга ўзи ҳам риоя қилмайди.*

2 Иш-амал билан. *У катта танаффусда укасининг зўрлигини амалда кўрсатмоқчи бўлди.* Газетадан.

3 Ҳақиқий ҳолда, факт сифатида; ҳақиқатда. *Амалда юбилей аллақачон мамлакат бўйлаб кенг нишонлана бошлади.* Газетадан.

АМАЛДОР [*а.+ф.* عملدار – амал эгаси] Мансаб-амал эгаси, лавозимли шахс. *-Акант жуда тентак йигит, – деди ниҳоят пўнғирлаб бой, – ахир амалдорларимиз, ҳокимларимиз билан ҳазиллашиб бўладими?!* Ойбек, Танланган асарлар.

АМАЛИЁТ [*а.* عمليّات – амалий масалалар] Амалий иш, амалий жараён, кундалик тажриба. *Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш ҳам амалиётга киритилган.* Газетадан. *Амалиёт республикамиз маданий ҳаётида халқ чолғу оркестри ғоят зарур эканини кўрсатиб турибди.* Газетадан.

АМАЛИЁТЧИ Амалиёт билан шуғулланувчи. *Унда олимлар, суд-ҳуқуқ амалиётчилари иштирок этди.* Газетадан.

АМАЛИЙ 1 Кишининг кундалик фаолиятига оид, кундалик иш, ҳаёт билан боғлиқ бўлган. *Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукуматлари вакилларидан иборат икки мамлакат делегацияларининг амалий учрашувлари бўлиб ўтди.* Газетадан.

2 Бевосита амалга ошириладиган, амалда кўриладиган, қилинадиган. *Амалий ёрдам. Амалий натижа. Амалий чора.* ▬ *Бир неча кундан кейин.. колхозчиларнинг вакиллари кенгашиб, амалий тадбирлар белгилашди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари

3 Амалда татбиқ этиладиган, тажрибада қўлланадиган, татбиқий. *Амалий фанлар. Амалий механика. Амалий санъат.*

АМАЛИЯ *эск. кт. айн.* **амалиёт**. *Назарияни амалия билан боғлаш.*

АМАЛЛАБ 1 Амалламоқ фл. рвдш. *..мен амаллаб олдинроқ кираман-да, Рихсининг уйдами-уйдамаслигини билиб чиқаман.* С. Зуннунова, Олов.

2 *рвш.* Қандай қилиб бўлмасин, бир илож қилиб, амал-тақал қилиб; эплаб-сеплаб. [*Иброҳим ота:*] *Бир амаллаб қишдан чиқсак, Полвонбойнинг бошини ҳам қўшиб қўярмиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *..қайиқни бир амаллаб соҳилга тортиб чиқарди-да, қумлоққа ўзини ташлади.* "Ёшлик".

АМАЛЛАМОҚ Илож қилмоқ, иложини топмоқ. *Болам, ғана алмаштириш бўлса, Абдусаттор билан ўзим амаллаstarман.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *У ҳамон янги келган кишиларнинг тунда, очиқ ҳавода қолишидан қўрқар эди. «Кўз қўрқоқ – қўл ботир» деган кексалар, бир амаллармиз, – деди у, ўзига тасалли бериб.* Ойдин, Мардлик – мангулик.

АМАЛПАРАСТ [*а.+ф.* عملپرست – амални севувчи] Амални яхши кўрувчи, амалга интилувчи; мансабпараст.

АМАЛПАРАСТЛИК 1 Амалга берилиш.

2 Амалпарастларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Шеровнинг баъзи ишлари амалпарастлик доирасидан чиқиб кетади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

АМАЛ-ТАҚАЛ: амал-тақал қилиб *с. т.* Бирор чора, илож топиб, бир амаллаб, эплаб-сеплаб. *Муваққат ҳукумат халққа нафи тегадиган иш қилмайди.. Меҳнаткаш омма аввалгидек бир амал-тақал қилиб кун кўрарди.* Ю. Тошпўлатов, Бинокорлар.

АМАЛЬГАМА [*лот.* amalgama < *а.* ملغمه – қотишма] Симобнинг бирор металл билан қотишмаси ёки металларнинг симобдаги эритмаси.

АМБРАЗУРА [*фр.* embrasure – шинак] Турли мудофаа истеҳкомларида тўп, пулемёт ва ш.к. нинг оғзини чиқариб ўт очиш, ўқ отиш учун қўйилган туйнук, шинак. *Қудрат чуқурликка талпинаркан, икки кўзи ўт очиб турган амбразурада.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

АМБУЛАТОРИЯ [*лот.* ambulatorius – юриб бажариладиган; кўчма] Қатнаб даволанувчиларга ва уйида ётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадиган кичик даволаш-профилактика муассасаси.

АМВОЛ [*а.* اموال – моллар, ашёлар] *эск. кт.* Хусусий шахсга қарашли мол-мулк, мол-дунё, бойлик.

АМЕТРОПИЯ [*юн.* ametro – ўлчовсиз; номутаносиб + opsis – кўриш] Кўзнинг ёруғлик нурини нотўғри синдириши натижасида хиралашуви (Бунда кўз узоқдан ёки яқиндан яхши кўра олмайди).

АМЁБАЛАР [*юн.* amoibe – ўзгариш] Сохта оёқлилар синфига мансуб, барқарор тана шаклига эга бўлмаган бир ҳужайрали умуртқасиз ҳайвонлар туркуми.

АМИН I [*а.* امين – ҳалол, ишончли; вакил қилинган; назоратчи] *фақат кесим взф.* **1** Қатъий ишонган, астойдил инонган, имони комил. *Биз бу йил, шунча шодлик келтирган янги йилда, энг яхши орзуларимизнинг рўёбга чиқишига амин эдик!* О. Ёқубов, Янги йил кечаси. *У битта нарсага аминки, бутун трасса бўйлаб ўртага ташланган шиорда Учқўрғон участкаси тилга олинади.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ҳимоя қилинган, кафолатланган, сақланган. *Чегараларимиз ҳар қандай хавф-хатардан амин. Ҳушёр бўлсак, ватанимиз ҳар қандай тасодифлардан амин бўлади.*

АМИН II *тар.* **1** Ўрта Осиё хонликларида даҳа бошлиғи ёки қишлоқ оқсоқоли. *-Аминларингни маҳкам ушла, элликбошилар одамларга кўз-қулоқ бўлсин,— деди у* [*ҳоким*]. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Бозорларда солиқ ундирувчи амалдор; бозор оқсоқоли. *Пулнинг ҳам олти тангасини бозор аминлари олишди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

3 Чоризм даврида: Фарғона водийсида сайлаб қўйиладиган қишлоқ оқсоқоли.

4 Амин (эркаклар исми).

АМИНОНА *тар.* Чоризм даврида: бир қатор вилоятларда бозорларда сотилган мол ва буюмлар учун аминлар томонидан олинадиган солиқ тури.

АМИР [*а.* امير – ҳоким, ҳукмдор; бошлиқ] **1** *тар.* Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик унвони ҳамда шу унвон эгаси. *Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши.* Мақол. ▬ *Зарбоф чопонлар, зардўзи этикларни фақатгина амиру амирзодалар кийишган.* «Фан ва турмуш».

Амири лашкар Темурийлар даврида ва кейинчалик Туркистон хонликларида: энг юқори ҳарбий унвон; умуман: лашкарбоши, қўшин бошлиғи. *Унинг* [*Азизбекнинг*]

орқасидан кўзлари ичига ботиқроқ бир киши келар эди. Бу киши Азизбекнинг амири лашкари.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Амир (эркаклар исми).

АМИРАЛМЎМИНИН [*а.* اميرالمؤمنين – мўминлар ҳукмдори] Илк ислом давридаги халифаларнинг унвони; илк дафъа иккинчи халифа Умарга берилган, кейинги барча халифалар ҳам шу унвон билан аталган.

АМИРЗОДА *тар.* Амирнинг ўғил ва набиралари; амир авлоди.

АМИРИ **1** Пўчоғи ва эти кўкиш, хипча, узунчоқ, эртапишар қовун нави. *Яна бир фикрга кўра, халқ Навоийнинг табъи нозиклигига ишора қилиб, пўсти юпқа қовунга «амири» деб ном берган.* «Фан ва турмуш».

2 Узумнинг бир нави.

АМИРКОН [Америка қитъаси номидан] **1** Қора лок билан ишланган ялтироқ чарм. *Бир этиклик амиркон. Амиркон этик.* ▬ *Сал ўтмай атлас кўйлак, амиркон шиппак билан чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Пахтанинг бир вақтлар Америкадан келтирилган нави. *-Хоразм водийсига амиркон пахта экишни каминаи камтарининизгиз жорий қилган, – деди Авазбой қози.* Н. Сафаров, Оловли излар.

АМИРЛИК *тар.* **1** Амир лавозими.

2 Амир қўл остидаги мулк, мамлакат. *Бухоро амирлиги.*

АМЛОК [*а.* املاك – мулклар] **1** Катта ер-мулк, ер-сув, ҳовли-жой, боғ-роғ.

2 Умуман мулк, мол-дунё.

Амлок рўзғор Рўзғор мулклари. *Шаҳарда бир неча кун қолишдан, қишлоқдаги «амлок рўзғор»ни эгасиз ташлашдан.. ташвишланмайди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

3 *тар.* Бухоро хонлигида: ер-мулкдан ўлпон олиш учун ажратилган ҳар бир кичик маъмурий-ҳудудий бўлинма.

АМЛОКДОР [*а.+ф.* املاكدار – амлок эгаси] *тар.* **1** Катта ер эгаси; заминдор, мулкдор. *..ўшал ер ислоҳот деб, амлокдорлардан базўр тасарруф қилинғон заминларни..* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

2 Амлокни *(қ.* **амлок 3**) бошқарувчи ва амлок аҳолисидан солиқ, ўлпон йиғувчи мансабдор. *Меҳмонхонанинг тўрида.. қози, амлокдор, раис ва миршаб, яъни туманнинг чорҳокими ўтирар эдилар.* С. Айний, Қуллар.

АММА [*а.* عمّه] Отанинг опаси ёки синглиси (жиянларга нисбатан). *Катта амма. Кичик амма.* ▬ *Фотима Элмуродга синфдош бир аёлнинг жияни бўлиб, аммасининг олдига бот-бот келиб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Аммамнинг бузоғи Ҳеч бир ишни эплолмайдиган; лаванг, шудсиз. *Индамай қўя қолай дедим-у, Марзия олдида аммамнинг бузоғи бўлиб ўтиргим келмади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Пешонам шўр бўлмай ўлсин, пешонам шўр бўлмаса, шу аммамнинг бузоғига тегаманми?* «Ёшлик».

АММАВАЧЧА Отанинг опаси ёки синглисининг фарзандлари (ўғил-қизлари).

АММИАК [*юн.* hammoniakon – Ливия саҳросидаги қадимги Аммоний воҳасида олинадиган новшадил шундай аталган] Азотнинг водород билан ҳосил қилган энг оддий бирикмаси; ўткир ҳидли рангсиз заҳарли газ. *Суюқ аммиак. Аммиак заводи.*

АММИАКЛИ Таркибида аммиак бўлган. *Аммиакли бирикмалар. Аммиакли селитра.*

АММО [*а.* امّا] **1** *боғл.* Қўшма гап қисмларини зидлаш муносабати билан боғлайди; лекин, бироқ. *Розиман, аммо ҳаммасига эмас. Бу жуда қийин иш, аммо бажарамиз.* ▬ *Майли, сиз яширдингиз. Аммо ман яширмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *юкл.* Фикрга таъкид, кучайтириш маъносини беради; аммо-лекин. *Аммо роса вақтида келибмиз-да.*

АММО-ЛЕКИН *юкл.* Фикрни алоҳида таъкидлайди. *Аммо-лекин Эш қаттиқ ишлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

АММОНИЙ [*юн.* hammoniakon] *ким.* Азот ва водороддан иборат атомлар гуруҳи (техника ва қишлоқ хўжалигида кенг ишлатиладиган бир қатор тузлар таркибига киради).

АММОФОС [амм(иак) + фос(фор)] Таркибида азот билан фосфор бўлган, концентрланган қўшалоқ минерал ўғит.

АМНИСТИЯ [*юн.* amnestia – унутиш; кечириш] Олий ҳокимият қарори билан муайян тоифадаги судланган шахсларнинг жазосини юмшатиш ёки уларни жазодан озод этиш. *Саёқлиги, фирибгарлиги учун илгари ҳам жазоланган. Бироқ амнистияга илиниб, озод этилган.* Газетадан.

АМНИЯТ [*а.* امنيّت – омонлик; кечирим] *эск. кт.* Хавф-хатардан омонлик; хавфсизлик, бехавотирлик. [*Солиҳ махдум:*] *Амниятингиз учун бу тадбирни кўп пухта идрок қилдим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АМОМА [*а.* عمامه – салла] *эск. айн.* **салла 1**. *Тасбеҳи риё бирла амомангдин, аё шайх, Чин бодахўринг хум била паймонаси яхши.* Ҳамза.

АМОРТИЗАТОР [*фр.* amortir – кучсизлантириш, юмшатиш] Урилиш зарбини, силкинишни юмшатадиган, камайтирадиган асбоб, мослама (автомашина, самолёт, иншоот ва ш.к. да). *Пружинали амортизатор.*

АМОРТИЗАЦИЯ [*лот.* amortisatio – қоплаш] **1** *иқт.* Меҳнат воситаларининг (машина, жиҳоз, бино ва ш.к.) эскиришига қараб, улар қийматини муайян давр мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот устига қўя бориш, шу йўл билан эскирган воситалар баҳосини қоплаш.

2 *мл.* Алоҳида шахс ёки ташкилотнинг узоқ муддатли қарзни аста-секин (ҳиссаларга бўлиб тўлаб) ёки қарзни сотиб олиб узиши.

3 Йўқотиш, ўғирлатиш ва ҳ.к. оқибатида қарз мажбуриятини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш.

4 Автомашина, самолёт, иншоот ва ш.к. нинг урилиш зарбини, силкинишни камайтириш.

АМОРФ [*юн.* amorphos – шаклсиз] **1** Тузилиши кристалл шаклида бўлмаган, кристалланмаган. *Аморф моддалар. Аморф углерод.*

2 *кт.* Шаклсиз, формасиз; уюшмаган. *Аморф ҳолат.*

Аморф тиллар Шакл (форма) ясовчи қўшимча (морфема)ларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алоқалар битишув йўли билан ёки ёрдамчи сўзлар воситасида бўладиган тиллар.

АМПЕР [француз физик олими А. Ампер номидан] Электр токи кучининг ўлчов бирлиги.

АМПЕРЛИ Муайян ампер кучга эга бўлган. *Беш амперли счётчик.*

АМПЕРМЕТР Электр токи кучини ўлчайдиган асбоб.

АМПЕР-СОАТ Электр миқдорининг ўлчов бирлиги.

АМПЛИТУДА [*лот.* amplitudo – катталик; катта ҳажм, ўлчам] *физ.* Тебранувчи жисмнинг тебраниш кенглиги, унинг мувозанат ҳолатидан энг узоқ ҳолатигача бўлган масофа. *Соат маятнигининг тебраниш амплитудаси.*

АМПЛУА [*фр.* emploi – фойдаланиш; лавозим] Актёр имкониятларига мос тушадиган роллар туркуми.

АМПУЛА [*лот.* ampulla – бўғзи тор, қорни катта, қўшқулоқли шиша ёки сопол идиш] Ичига дори солинган ва оғзи пайвандлаб бекитилган найчасимон шиша идиш. *Ампулани синдириб, шприцга сиворотка (зардоб) тўлдирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

АМПУТАЦИЯ [*лот.* amputatio – кесиш, кесиб ташлаш] Қўл-оёқнинг носоғ қисмини жарроҳлик йўли билан кесиб ташлаш. *Лозим бўлган жарроҳлик амали қилинган.. қорасонга мойил бўлган оёқ-қўллар холи қилиниб (ампутация), ярадор денгизчиларнинг ҳаёти сақланган.* Газетадан.

АМР I [*а.* امر – буйруқ, йўл-йўриқ] **1** Буйруқ, фармойиш, фармон. *Бизлар мерган, хон амрини қиламиз.* «Маликаи айёр»

Амр қилмоқ (*ёки* **этмоқ**). Буйруқ бермоқ, буюрмоқ. *Жаноблари амр қилган эканлар, хизматларига бош эгиб келдим.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Гўрўғли амр этди: бизлар келамиз.* «Маликаи айёр». **Амри маъруф** *қ.* **амримаъруф. Амри маҳол** *қ.* **амримаҳол**.

2 Ихтиёр, изм. *Бунинг ҳам боиси эрмишким аждар. Унинг амрида эрмиш салтанат, зар.* Туйғун.

АМР II [*а.* امر – иш, ҳолат] *эск. кт. айн.* **иш 1**. *Икки диллик, икки тиллик Мен эмасман сен айтган, Ҳақ амридан юз ўгириб, Азиз имонин сотган.* Ҳамза.

АМРИМАЪРУФ [а. امرمعروف – яхшиликка буюриш] **1** Савоб ишларга, бажарилиши лозим бўлган барча исломий амалларга даъват этиш.

2 Шундай ишга бағишланган маросим, маърака.

АМРИМАҲОЛ 1 Бажарилиши жуда қийин иш. *Тарки одат – амримаҳол.*

2 *асосан, кесим взф.* Қийин, мушкул. *..Ислом отага ўхшаганлардан ақалли беш сўм чиқиши ҳам амримаҳол.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Қуюқ туман тушганидан ўн қадам наридаги нарсани кўриш амримаҳол.* «Ёшлик».

«АМФИБИЯ» [*юн.* amphibios – икки хил ҳаёт кечирувчи] **1** Сувда ва қуруқликда юра оладиган автомобиль.

2 Ердан ва сувдан кўтарила оладиган ҳамда ерга ва сувга қўна оладиган самолёт.

3 Қорда, сувда, музда ҳаракатлана оладиган аэрочана.

4 Сувда ва қуруқликда ҳаракатланадиган жанговар машина (танк, бронетранспортёр ва б.).

АМФИБИЯЛАР [*юн.* amphibia – сувда ва қуруқда яшовчи] **1** *зоол.* Умуртқалиларнинг бир синфи, сувда ва қуруқликда яшашга мосланган жониворлар. *Бу заҳар балиқлар.. шунингдек, амфибияларга зиён етказмайди.* «Фан ва турмуш».

2 *бот.* Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган ўсимликлар.

АМФИТЕАТР [*юн.* amphitheatron – икки томонлама томоша] **1** Қадимги Юнон ва Римда оммавий томошалар, театр спектакллари кўрсатилган маҳобатли бино.

2 Томоша зали (театр, цирк) даги ёки аудиториядаги ярим доира шаклида қия кўтарилиб борувчи ўриндиқлар.

АМФОРА [*лот.* amphora – қўшқулоқли катта идиш**]** Кўзасимон қўшқулоқли сопол идиш. *Ҳатто қўшқулоқли амфорада юнон коньяклари ҳам бор эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

АНА 1 *кўрс. олм.* Кўз ўнгида турган, ўзидан нарироқда бўлган нарсани ёки юз бераётган воқеа-ҳодисани кўрсатишда ишлатилади. *-Аҳмад қани? – Ана, келяпти.*

Ана у *айн.* **анави.** *Мен ана у сўқмоқдан юрсам ҳам бўлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Ана шу** 1) шу, шунинг ўзи, худди шу. *Сизни сўраган ана шу киши эди;* 2) юқорида айтилган, зикр қилинган, мазкур. *Домла бу гапни менга айтганида, дарров унинг ёқасидан ушлагундай бўлибман. Ана шу чакки бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *юкл.* Кўрсатиш, таъкид маъноларини ифодалайди. *Ана кўрдингми, нима бўлди? Ана бўлмаса, мен кетдим! Ана энди, сендан келадиган иш шу-да. Ана тантана-ю, мана тантана!* ▬ *Ана, энди борсанг бўлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ана холос! Таажжуб, ҳайратланишни билдиради. *Ана холос, қози поччанг юртга ош бераётган бўлсалар, туянинг думи ерга тегибди-да!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

АНАБИОЗ [*юн.* anabiosis – жонланиш, тирилиш] *биол.* Баъзи бир тирик организмларда ҳаётий жараёнларнинг ноқулай шароитларда секинлашув ёки тўхтаб қолиш ҳолати (мас., баъзи ҳашарот ва жониворларнинг қишда ухлаши).

АНАВИ 1 *кўрс. олм.* Ўзидан наридаги, тилга олиб ўтилган, ўтган нарса, ҳодисаларни кўрсатади, унга ишора қилади. [*Давлатёр*] *Элмуродни туртиб: -Мен сизга айтган қизни кўрсатайми? Ҳў, анави, ўртадаги.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отабек.. гарангсиган қиёфада. Анавилар* [*Зиё шоҳичи ва унинг ўғли Раҳмат*] *ўзларини бирмунча тетик тутмоқда эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гапираётган вақтда кўз олдида йўқ, назарда тутилаётган шахс, нарса ва ш.к.га ишора қилади. *Буни Отабек пайқамаган бўлса ҳам.. анави гапнинг аниқ шу мажлисда очилишига кўзи етиб, чиқиб кетишнинг иложини қилолмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анави куни мендан хафа бўлдингиз-а..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

АНАКОНДАЛАР [*исп.* anaconda] Бўғма илонлар оиласига мансуб энг йирик илонлар тури.

АНАЛИЗ [*юн.* analysis – ажратиш, ажралиш] **1** Текшириш объектини фикран таркибий элементларга ажратиб тадқиқ қилиш усули. *зид.* **синтез**. *Анализ шундай бир мантиқий усулдирки, унинг ёрдами билан биз буюмларни, ҳодисаларни фикран қисмларга бўлиб, уларнинг айрим қисмларини, белгиларини, хусусиятларини ажратамиз.* «Логика».

2 *айн.* **таҳлил**.

3 Модданинг таркибини аниқлаш. *Кимёвий анализ. Қон анализи. Сифат анализи.*

Математик анализ Олий математиканинг бир бўлими.

АНАЛИЗАТОР *опт.* Ёруғликнинг қутбланиш хусусиятини аниқловчи асбоб.

АНАЛИЗАТОРЛАР *физиол.* Юксак даражадаги ҳайвонлар ва одам нерв тузилмаларининг мураккаб тизими (ташқи муҳит ва организмдаги таъсиротларни идрок этиб, анализ қилади).

АНАЛИТИК Анализ, таҳлил усулига асосланган; таҳлилий. *Аналитик метод.*

Аналитик геометрия Математиканинг алгебра ва анализ ёрдамида геометрик шаклларни текшириш билан шуғулланадиган бўлими. **Аналитик кимё** Кимё фанининг моддалар кимёвий таркибини аниқлаш билан шуғулланадиган бўлими. **Аналитик тиллар** Гапда сўзлар махсус шакллар ёрдамида эмас, балки тартиб (сўз тартиби), ёрдамчи сўзлар, интонация ва ш.к. орқали боғланадиган тиллар.

АНАЛОГИК Бир-бирига ёки бошқасига ўхшаш, ўхшаган.

АНАЛОГИЯ [*юн.* analogia – мувофиқлик, айнанлик, ўхшашлик] **1** *флс.* Нарса ва ҳодисаларда бирор хусусиятнинг ўхшашлиги.

2 *мнт.* Хулоса чиқариш шакли бўлиб, бунда икки нарса, ҳодиса ўртасидаги бирор

жиҳатдан ўхшашлик асосида уларнинг ўхшашлиги ва бошқа жиҳатлари ҳақида хулоса чиқарилади.

3 *ҳуқ*. Бирор аниқ ҳаракат қонунда ўз аксини топмаган ҳолда шунга ўхшаш ҳаракат (ҳодиса)ни кўзда тутадиган ҳуқуқий меъёрни мазкур ҳаракатга татбиқ этиш.

4 *тлш*. Тил бирликларининг ўзаро қандайдир муносабат таъсирида вазифа ёки бошқа жиҳатдан ўхшашлик, бир хиллик касб этиши. Мас., *боқ, қара* объектсиз феълларининг мустақил ва кўмакчи феъл ҳолида *кўр* объектли феълига вазифадош, маънодош бўлиши: *ўқиб кўр — ўқиб қара — ўқиб боқ*.

АНА-МАНА Ҳар хил важ-баҳона, ваъда, гап. *Ана-мана билан бу ой ҳам тамом бўлди*.

Ана-мана деб юрмоқ Ҳар хил важ-баҳоналар кўрсатмоқ, важ-баҳона йўлини тутмоқ. *Сўрасам, ана-мана деб бермади*. А. Қаҳҳор, Сароб.

АНАНАС I [*исп*. ananas] **1** Ананасдошлар оиласига мансуб ўтлар туркуми.

2 Шу ўсимликлардан баъзисининг йирик, чўзинчоқ, хушбўй ва ширали меваси.

АНАНАС II Эртапишар, тўрлама, эти ва уруғи қизғиш куврак ва хушбўй қовун нави.

АНАРХИЗМ [*юн*. anarchia — ҳокимиятсизлик, бебошлик] Раҳбар сифатида фақат алоҳида шахснинг хоҳиш-иродасинигина тан олиб, ҳар қандай ҳокимият ва давлат тузумини рад этувчи ижтимоий-сиёсий оқим.

АНАРХИСТ Анархизм тарафдори.

АНАРХИСТИК Анархистга ва анархизмга оид. *Анархистик қарашлар*.

АНАРХИСТЛИК Анархистларга хос хатти-ҳаракат, ўзбошимчалик, бошбошдоқлик.

АНАРХИЯ [*юн*. anarchia — ҳокимиятсизлик] **1** *сиёс*. Жамиятнинг ташкилотчи ҳокимиятнинг, ҳамма учун мажбурий қонун-қоидаларнинг, одоб-ахлоқ меъёрларининг йўқлиги билан характерланувчи ҳолати; ҳокимиятсизлик.

2 *кўчма* Раҳбарсизлик, бошбошдоқлик, бебошлик. *Сиз айтгандай қилинса, бебошликка катта йўл очилади, ҳамма ёқ анархия бўлиб кетади*. П. Қодиров, Уч илдиз.

АНАРХИЯЧИ *айн*. **анархист.**

АНАТОМ Анатомия олими, мутахассиси. *Анатом жасад тўқималарига ўзи кашф этган суюқ пластмассани шимдиради*. Газетадан.

АНАТОМИК Анатомияга оид. *Анатомик текширишлар. Анатомик атлас*.

АНАТОМИЯ [*юн*. anatome — кесаман, ёраман] Тирик организмнинг шакли ва тузилиши ҳақидаги фан.

Одам анатомияси Одам организмидаги айрим аъзо ва системалар шакли, тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги фан — назарий ва амалий тиббиётнинг асосий фанларидан бири.

АНАФОРА [*юн*. anaphora — юқорига чиқариш] Параллел тузилган нутқ парчалари (мас., мисралар) бошида айнан бир унсур (элемент)нинг такрорланишидан иборат услубий фигура. Мас., *Бутун қарашларни, барча сезгини, Бутун ифодани, бутун севгини..* Ҳ. Олимжон.

АНБАР I [*а*. عنبر — хушбўй модда] **1** Кашалотлар танасидан — ошқозон ёки ичакларидан чиқадиган мумсимон хушбўй модда (парфюмерияда атир ҳидига турғунлик бериш учун ишлатилади). [*Қулмуҳаммад:*] *Гўзал! Ғоят нафис!* [*Хондамир:*] *Ҳиди анбардин ўткур*. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Анбар (хотин-қизлар исми).

АНБАР II *этн*. Эркаклар тобутининг тўрт бурчига тик қоқилган таёқларга ўралган газлама, сурп; шунингдек, аёллар тобутининг тепасига ишком тарзида эгиб ўрнатилган тол ёғочлари устига ёпилган малла бўз.

АНБАРАФШОН [*а.*+*ф*. عنبرافشان — анбар таратувчи] Анбар ҳиди сочувчи; хушбўй, муаттар. *Ҳусни ортар, юзда зулфин анбарафшон айлагач*. А. Навоий.

АНБИЁ [*а*. انبیا—نبی «пайғамбар» сўзининг кўпл. шакли] Набийлар, пайғамбарлар. *Луқмони Ҳаким.. хулқ-одоби, юксак диди, хушмуомаласи билан анбиё мақомига етишган эди*. Газетадан.

АНБУҲ [*ф*. انبوه — кўп, сон-саноқсиз] Сон-саноқсиз; кўп. *Гуноҳларим эрур анбуҳ, кечиргайму ани субуҳ*. «Маликаи айёр».

АНВАР [*а*. انور — энг нурли] **1** Нур сочувчи; ёруғ, порлоқ. *Сўзи яхши анвар Охунбобоев*. «Фольклор».

2 Анвар (эркаклар исми).

АНВО(И) [*а*. انواع — навлар, хиллар] **1** *эск. кт*. Тур; турлар, жинслар.

2 Ҳар хил, турли-туман. *Минг анво гуллар ичидан ёр кўзини эслатувчи наргисни узиб олди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шундай анвои — турли фитна-фасодларни кўра-кўра, бозорга етдим*. А. Қодирий, Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан.

АНГ-АНГ *тақл. с.* Итнинг калтак ёки бошқа нарса азобидан чиқарадиган шундай товушини билдиради.

АНГАР [*фр.* hangar] Самолётлар ва вертолётлар турадиган, уларга техник хизмат кўрсатиладиган ва улар таъмирланадиган иншоот.

АНГИДРИД [*юн. а* – инкор қўшимчаси + hydor – сув] *ким.* Бирор элементнинг кислород билан бирикмаси; тегишли кислотадан сувни ажратиш йўли билан олиш мумкин. *Карбонат ангидрид.*

АНГИЛЛАМОҚ Анг-анг қилмоқ. *Ит умбалоқ ошиб, ангиллаганча деворга бориб урилди.* С. Нуров, Нарвон.

АНГИНА [*лот.* angina – бўғилиш] Танглай муртак безларининг яллиғланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик.

АНГИОМА [*юн.* angion – томир + oma < omos – нам, зах; хом] Қон ёки лимфа томирларида пайдо бўладиган хавфсиз ўсма.

АНГИШВОНА [*ф.* انگوشتوانه – бармоқни сақловчи] Иш тикишда бармоқ учига кийдириладиган металл буюм. *Кўзгусини хушламай, ерга отиб ташлабди, Ангишвона, игнасин занглар боса бошлабди.* М. Қўшмоқов.

АНГЛАМОҚ 1 Гап, фикр-мулоҳаза ва ш.к.нинг мазмунини билиб олмоқ; тушунмоқ. *Гапингизни-ку англадим..* «Шарқ юлдузи». *Бу сўзларни англамайин мерганлар, Иккови ҳам бўлиб кетди гуноҳкор.* «Маликаи айёр».

2 Идрок этмоқ, фаҳмламоқ. *Эшқобил тоғасининг раис олдида гирдикапалак бўлиш сабабларини бир қадар англагандай бўлди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Бобош бирдан англадики, мана шу махлуқдан қутулиш учун, танимай ўтиб кетармикан, деб Бобошга ёпишган.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *..ҳаётга қарашим чуқурлашди, адабиётни янгича англай бошладим.* Газетадан.

Ўзликни англамоқ (ўзни англамоқ, ўз-ўзини англамоқ) Ўзининг асли ва ҳозир ким эканлигини идрок этмоқ (*қ.* **ўз**, **ўзлик**). *Биз мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаганимиз сари Имом ал-Бухорийнинг муборак сиймосини янада яққолроқ тасаввур этамиз.* Газетадан. *Бошқача айтганда, тарихга мурожаат этиш ўз-ўзини англаш демакдир.* Газетадан. *Ўзни англаш эса, юртбошимиз йўл кўрсатганларидек, она-Ватандаги табаррук жойларни, улуғларнинг қадамжоларини зиёрат этишдан бошланади.* Газетадан.

АНГЛАТМОҚ 1 Англамоқ фл. орт. н.

2 Ифодаламоқ, билдирмоқ. *Бу нимани англатади?* ▬ [*Азизбекка халқ:*] *Сендек итдан бизга қипчоқ яхши! — Халқнинг бу жавоби ишнинг на даражага етганини англатар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. «*Косметика» аслида грекча сўз бўлиб, у «гўзаллаштириш» деган маънони англатади.* «Саодат».

АНГЛАШИЛАРЛИ Англаб, тушуниб бўладиган; тушунарли. *Масала англашиларли. Жавоб англашиларли бўлмади.*

АНГЛАШИЛМАС 1 Англашилмоқ фл. сфдш.

2 *сфт.* Англаб бўлмайдиган; тушунарсиз, ноаниқ. [*Йўлчи*] *Ниҳоят, ички бир туртки, англашилмас бир кучнинг сеҳрли таъсири остида, ғайришуурий равишда орқасига – қиз томонга қайрилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК 1 Хато тушуниш ёки тушуниб етмаслик орқасида содир бўлган ҳолат; хатолик. *Англашилмовчилик орқасида хафалашиб қолмоқ.* ▬ *Мен Насиба билан гаплашиб кўрдим. Бу муҳаббат эмас, англашилмовчилик.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Бой ота, бу ерда андак англашилмовчилик борга ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзаро келишмовчилик; тушунмовчилик. *Қудалар ўртасида рўй берадиган англашилмовчиликлар, жанжаллар аксар вақт музокара ва муроса йўли билан ҳал қилинади.* Ойбек, Танланган асарлар.

АНГЛАШИЛМОҚ Тушунилмоқ, фаҳмланмоқ. *Зайнаб ялт этиб қайнанасига қаради, чунки Ўзбек ойимнинг бояги гапи энди унга англашилган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АНГОР *кам қўлл. қ.* **афт-ангор**. *Унинг* [*Хайрининг*] *ангори қўрққулик, сиёқи одамга ўхшамайди.* «Ёшлик».

АНГРАЙМОҚ 1 Эс-ҳушини йўқотгандай, паришонхотирлик билан лоқайд қараб турмоқ. *Нега анграйиб турибсан?* ▬ *Пул йўқ. Аммо пул йўқ деб анграйиб турилса, ҳовли қўлдан кетади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ҳайратда қолмоқ, ҳайратдан оғзи очилмоқ. *Балиқнинг катталигини кўриб, полвон анграйиб қолди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Вафо аттор ҳанг-манг бўлиб, йигитга анграйди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

АНГРОВ Эс-ҳушини йиғиб ололмайдиган; меров, анқов. *Ангров бола.*

АНДА Қадимги турк-мўғул халқларида тутинган ака-ука.

АНДАВА [*ф.* انداوه – сомонли лой суваш асбоби] Сомонли лой, ганч ва ш.к. ни силлиқлаб суваш учун ишлатиладиган, дастали, таги силлиқ асбоб. *Андава юргизмоқ.*

АНДАВАЛАМОҚ 1 Андава билан сувамоқ, текисламоқ, силлиқламоқ.

2 *кўчма* Бекитиб, ёпиб кетмоқ, хаспўшламоқ, текислаб юбормоқ. *У ўғлининг айбини андаваламоқчи бўлди.* ▬ [*Ғуломжон*] *Сал асабийроқ, сўзини андавалаб ўтиришни билмайди, шартта юзга солаверади.* М. Худойқулов, Жонли ва жонсиз тўсиқларни енгиб. *Ниҳоят, у сир бермасликка уриниб, гапини андавалади.* М. Мансуров, Ёмби.

АНДАЗА [*ф.* اندازه – ўлчов, қолип] **1** Кийим-бош, пойабзал ва ш.к. ни бичиш, тайёрлаш учун қалин қоғоз, картон ва ш. к.дан ясалган нусха-қолип. *Этик андазаси. Челак учун андаза ясамоқ. Андаза билан иш бичмоқ.*

Андазаси келишган 1) бичими яхши, усталик билан бичиб тикилган, хушбичим (кийим-бош, пойабзал ҳақида); 2) *кўчма* қадди-қомати келишган, бўйи-басти ўзига ярашган: хушқомат, хушбичим. **Андаза олмоқ** 1) бирор нарсанинг шаклини кўчирмоқ; 2) *кўчма* ўрнак олмоқ, ибрат олмоқ. *Қулоч ёзинг, қизлар, меҳнат мавжида, Мусобақадошлар олсин андаза.* Т. Тўла.

2 Тайёр қолип, намуна. *Шарқнинг ҳаво дарвозаси биз, Янгиликнинг андазаси биз.* Шайхзода, Тошкентнома. *Ёдгорлик мажмуини яратишда.. ўлкамиздаги буюк бобокалонларимиз зиёратгоҳлари андазасига таяниш зарурлигига эътибор қаратилди.* Газетадан.

3 Ўлчов, меъёр. *Мамлакат раҳбарининг фармони.. миллий ҳаётимизни энг юқори замонавий андазаларда қуришга чақиряпти.* Газетадан.

АНДАЗАСИЗ 1 Андазаси, қолипи йўқ, беандаза тикилган, ясалган.

2 *кўчма* Андазаси хунук, беўхшов.

3 *кўчма* Ўлчови, меъёри йўқ, беўлчов; беқиёс. *Нозу неъматга фаровон ҳимматинг андазасиз, Бағри кенг меҳмоннавозу меҳрибоним, ассалом.* Ҳабибий.

АНДАК [*ф.* اندک – кам, озгина] *рвш.* **1** Озгина вақт, бирпас. *Андак сабр қилинг.* ▬ *-Сиз шу ерда андак ўтириб туринг, опа! – деди ҳалиги қиррабурун одам.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хўракдан кейин андак мизғимоқчи бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Бирмунча, бир қадар. *Касал андак бери қаради. Иссиқ андак пасайди. Ош андак тирик бўлибди.* ▬ *Саидий хатни икки-уч қайта ўқигандан сўнг, ўзини андак босиб олиб, атрофга қаради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Унча катта ёки кўп эмас; бир оз, қиттак. *Сендан андак хатолик ўтди. Сизда андак ишим бор. Менга андак туз беринг.* ▬ *Аммо оғиз теварақларида андак қон аломатлари ҳам намоён эрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АНДАЛИБ [*а.* عندلیب – булбул] *эск. кт. айн.* **булбул**. *Андалиб бир савт ила бўлди гирифтори қафас, Зоғ минг савт этса, қайси дил паришондир анга.* Ҳамза.

АНДАРМОН [*ф.* اندرمان] Банд, машғул.

Андармон бўлмоқ Бирор машғулот, иш ва ш. к. га берилмоқ, қизиқиб кетмоқ. *Обид Йўлдошевич, бошқа ишларга андармон бўлиб, газета чиқаришга бевосита қатнаша олмадик.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Робия билан андармон бўлиб, Комил табибникига ҳам боролмадим.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

АНДИ *с.т.* **1** Бошқа жойдан келиб ўрнашиб қолган; келгинди. *Чолу кампирнинг ҳар бир ўтиришларида сўз.. марғилонлик «анди» келин устида бўлар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Таги, зоти паст (зодагонлар, бойлар назарида).

АНДИЗ Истеъмол қилинадиган кўкатнинг бир тури. *..уйдан келтирилган таомлар қаторига Отамурод териб келган равоч, андиз, кийик ўти, алқар ўтлари ҳам қўшилиб кетади.* «Ёшлик». *Қора андиз.. нам ерларда, ўтлоқларда, тоғ ёнбағирларида ўсади.* Газетадан.

АНДИША [*ф.* اندیشه – фикр, ўйлаш] **1** Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза. *Андишанинг оти қўрқоқ.* Мақол. ▬ *-Ғўзаларингизни жуда ўт босиб кетибди-ю, – чўчитиб юбормайлик деган андиша билан оҳиста сўрадик.* Газетадан.

2 Умуман фикр, мулоҳаза. *Қандайдир андиша тутди тилини.* А. Мухтор.

3 Шарм-ҳаё, ор-номусга амал ҳисси. *Биз Зулфия опанинг ёнларида бўлиб, у кишидан нафақат журнал ишини, одоб-андишани, ҳалолликни ҳам ўргандик.* «Саодат». *Ҳалол ва*

пок, виждонли ҳамда инсофли бўлайлик, андиша ва ҳаёни унутмайлик. Газетадан.

АНДИШАЛИ Андиша, мулоҳаза билан иш тутадиган. *Андишали йигит.* ▬ *Лекин андишали, мулоҳазакор Аҳмадали опасига бунақа гапларни айтишга.. журъат қилолмаслиги ойдек равшан.* «Ёшлик».

АНДИШАСИЗ Андиша билан иш тутмайдиган, андишаси йўқ.

АНДОЗА *айн.* **андаза**.

АНДОМ [*ф.* اندام – бадан, гавда] *кам қўлл.* Қад-қомат, қиёфа, бичим. *Икки ою икки йил Юрсанг маҳкам боғлаб бел, Маконига борарсан, Андомига қарарсан.* Ҳ. Олимжон, Семурғ. *Дилдор баланд бўйли, жуссалигина, бутун андоми ўзига келишган, тиниқ оқ юзли, ингичка нафис қошли.. қиз эди.* Ойбек, Навоий.

АНДУҲ [*ф.* اندوه – ғам, қайғу] *эск. кт.* Руҳий азоб, ғам, ғусса, хафагарчилик, қайғу. [*Кумуш онасига:*] *Мен сиёҳбахт дунёга келмаган бўлсам эди, сизга мунчалик кулфатлар, мунчалик андуҳлар йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АНЕМИЯ [*юн.* an – инкор қўшимчаси + haima – қон] Қонда эритроцитлар ва гемоглобин миқдорининг камайиши билан характерланувчи касаллик; камқонлик.

АНЕМОМЕТР [*юн.* anemos – шамол + metreo – ўлчайман] Шамолнинг, ҳаво ҳаракатининг тезлигини ўлчайдиган асбоб.

АНЕРОИД [*юн.* a – инкор қўшимчаси + neros – намлик, сув + eidos – кўриниш] Атмосфера босимини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

АНЕСТЕЗИЯ [*юн.* an – инкор қўшимчаси + aesthesia – сезги, ҳис этиш] Кўпинча жарроҳлик ва бошқа ҳолларда турли воситалар ёрдамида амалга ошириладиган оғриқсизлантириш, сезгини йўқотиш.

АНЖИР [*ф.* انجير – анжир] **1** Тутдошлар оиласига мансуб, сутсимон ширадор, шапалоқ баргли ўсимлик. *Бир ёмон анжир кесар, икки ёмон занжир кесар.* Мақол. ▬ *Анжир Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўсади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 Шу дарахтнинг серуруғ, ейишли меваси. *Қора анжир. Хоки анжир. Анжир қоқи. Анжир қиём.* ▬ *Агар кирсанг бир кишининг боғига, Қўл узатма анжир, узум, нокига.* «Қўшиқлар».

Анжир шафтоли Меваси анжирга ўхшаш шафтоли тури. **Анжир бўлмоқ** (*ёки* **анжири чиқмоқ**) Жисмонан қаттиқ эзилмоқ. *Автобус тиқилинчида анжир бўлган одамни қандай ўзига келтирса бўлади.* «Аския»дан.

АНЖИРЗОР Нуқул анжир билан банд ер, боғ.

АНЖОМ [*ф.* انجام – тугаш, охир] **1** Уй-рўзғор нарса-буюмлари, асбобларига тегишли нарса. *Торроқ бўлсаям уй-жой, анжомларимиз бор.* С. Нуров, Нарвон. *Анжомини туяга ортди, Бола-чақа, кучуклари ҳеч қолмайин чиқиб кетди.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Ҳар қайси соҳанинг ўзига хос нарсалари, керак-яроғлари; асбоб-қуроллар. *Йўл анжомлари. Уруш анжомлари. Ҳарбий анжомлар. Ўқув анжомлари.* ▬ *Мана шу зираклар, пардоз анжомлари солинган чамадонимни кўтариб, ўттиз йил қишлоқма-қишлоқ.. кездим.* С. Зуннунова, Олов. *..манам дунёйи боумид Аҳмадхўжам билан Ҳамзахўжамга бисот йиғиб, тўй анжомларини бутлаб қўйганман.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Европада безорилик анжомлари музейи илк бор Венгрия пойтахтида очилди.* Газетадан.

АНЖУМАН [*ф.* انجمن – йиғин, мажлис] Умуман, бирор ҳодиса, тантана муносабати билан бўладиган йиғин, мажлис. *Одатда у* [*Аваз*] *бир ғазал айтар, келаси анжуманда шоири замонлар мазкур ғазалга назира боғлар эдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Мазкур анжуманда олий ўқув юртлари тайёрлаган 118 иш намойиш этилди.* «Фан ва турмуш». *..Имом ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда биринчи марта халқаро анжуман ўтказилди.* Газетадан.

АНЗУР: **пиёзи анзур** Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг тоғли худудларида ўсадиган кўп йиллик ёввойи пиёз.

АНИЛИН [*а.* النيل – нил бўёғи; кўк бўёқ] Ҳар хил бўёқ, дори-дармон, портловчи моддалар тайёрлаш учун ишлатиладиган бадбўй, заҳарли, туссиз суюқлик; нил бўёғи.

АНИҚ [*а.* عنيق – нафис, нозик; равшан, тушунарли] **1** Эшитиш, кўриш, тушуниш жиҳатдан яхши, тўла ифодали. *Аниқ жавоб. Аниқ кўрсатмалар. Аниқ эшитмоқ.* ▬ *Саодатхон орзиқиб жавоб кутар, Тожибой ака бўлса, аниқ жавоб бермай, гапни айлантирар эди.* С. Зуннунова, Олов. *Кўпчилик томонидан маъқулланган амалий, аниқ таклифлар киритилди.* Газетадан.

2 Ҳақиқатга мос, ҳақиқий. *Буни қаранг-ки, шундай соддагина, лекин аниқ фактлар-*

га асосланган фикр-мулоҳазалар республика партия ташкилотининг ўша вақтдаги раҳбарида қаҳр-ғазаб уйғотибди. Газетадан.

3 Бекам-кўст ва тўғри. *Аниқ ҳисоб-китоб ва режа билан бошланган иш унумли бўлади.* «Саодат».

4 Белгили, маълум. *Келиш вақти аниқ.* ▬ *Гулрўйнинг фарёди сабабми ё оқсоқолларнинг ўзлари аниқ бир тўхтамга келишдими, ишқилиб, шу туннинг ўзидаёқ қабристонга йўл олишди.* «Ёшлик».

5 *мод. с. взф.* Фикрнинг чинлигини билдиради; албатта, шубҳасиз. *Холмирза ака ичидан «шу ғайратинг бўлса, икки йилда Хирмонтепадан аниқ айриламиз», деб ўйлайди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Энди кимга оғиз солсанг, ғиринг демай тегиши аниқ.* С. Аҳмад, Юлдуз.

АНИҚЛАМОҚ 1 Сўраб-суриштириб, аниқ маълумот олмоқ, билиб олмоқ. *Меҳмонларнинг кимлар эканини аниқламоқ. Масалани аниқламоқ. Вазифани аниқламоқ.* ▬ *Йигитлардан бири меним ким эканлигимни аниқлаб олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Тайинини, воқе ҳолатни белгиламоқ. *Оғирлигини аниқламоқ. Масофани аниқламоқ.* ▬ *Беруний мучал ҳисобининг асли сабабини аниқлай олмаган бўлса ҳам, тахмини ҳақиқатга анча яқин туради.* «Фан ва турмуш».

3 Воқе ҳолатли қилмоқ; топмоқ. *Ер ости конларини аниқламоқ.*

АНИҚЛАНМИШ *тлш.* Аниқловчи аниқлаб келган гап бўлаги; атрибутив алоқали сўз бирикмасининг ҳоким қисми.

АНИҚЛАШМОҚ 1 Аниқламоқ фл. бирг. н.

2 Аниқ-равшан бўлмоқ, аниқ тус олмоқ. *Масала аниқлашди. Вазифа аниқлашди.*

АНИҚЛИК Аниқ ифодалилик. *Ўлчов асбобларининг аниқлиги. Фикрнинг аниқлиги.* ▬ *Энди бизга аниқлик кўпроқ ёқади.* «Саодат».

АНИҚЛОВЧИ 1 Аниқламоқ фл. сфдш. *Оғирликни аниқловчи асбоб.*

2 *тлш.* Предмет билдирувчи бўлакка тобеланиб, унинг белгисини англатадиган (иккинчи даражали) бўлак; атрибутив алоқали сўз бирикмасининг аниқланмишга тобе қисми. Мас., *қизил олма* бирикмасида *қизил* сўзи аниқловчидир. Аниқловчининг уч тури бор: 1) сифатловчи (*қ.*), 2) қаратувчи (*қ*), 3) изоҳловчи (*қ.*)

АНИҚ-ТАНИҚ Жуда ҳам аниқ, тайинли, белгили. *Аниқ-таниқ одам.* ▬ *Алижон автомашиналарга тикиларди. Уларнинг бирини Норқўзи ҳайдаб кетаётганини ҳам аниқ-таниқ кўрди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

АНКЕР [*нем.* Anker – якорь, лангар] **1** Соат механизмининг мўътадил, бир маромда юриб туришини таъминлайдиган қисми.

2 Станок, машина, иншоот ва ш. к.нинг қисмларини бириктириш ёки ўрнатишда ишлатиладиган унсур (деталь). *Анкер болт.*

АНКЕТА [*фр.* enquete – суриштириш, хабар, маълумот олиш] **1** Тегишли маълумот олиш, тўплаш учун белгиланган сўроқ варақаси, сўровнома. *Кадрларни ҳисобга олиш анкетаси. Анкета маълумотлари. Анкета тўлдирмоқ. Анкета сўрови. Анкета асосида сўров ўтказиш.* ▬ *Кейинги вақтларда жамиятимизда анкета сўрови ёки тест ўтказиш ўзига хос модага айланиб бораётгани кўзга ташланади.* «Тафаккур».

2 Сўроқ (савол) орқали тўпланган маълумотлар, шундай йўл билан маълумотлар тўплаш. *Анкета ўтказмоқ.*

АННЕКСИЯ [*лот.* annexio – қўшиб олиш] Бирор давлат ёки халққа тегишли ҳудудни зўрлик билан қўшиб олиш, босиб олиш сиёсати.

АННОТАЦИЯ [*лот.* annotatio – мулоҳаза, қайд; эслатма] Китоб, мақола ва ш.к. нинг мазмуни, аҳамияти ҳақидаги қисқача маълумот, қисқача таъриф. *Китоб аннотацияси. Аннотация ёзмоқ.*

АННУЛЯЦИЯ [*лот.* annulare – йўқ қилмоқ] Ҳужжат, шартнома, ҳуқуқлар ёки ваколатларнинг бекор қилиниши, ҳақиқий эмас деб топилиши.

АНОВ *с. т.* Анави, ана у. *Анов, ким, ҳа, Йўлчига чиқиб айт, айвонда ётсин.* Ойбек, Танланган *асарлар. Сен ўзинг билмайсан, анов булутлар юрагинг оҳлари, хўрсиниқлари.* «Ёшлик».

АНОВИ *олм.* **1** Ўзидан наридаги шахс, нарса ва ш.к. га ишора қилади, уни кўрсатади. *Сен отингни чиқарган бўлсанг, анови тутга боғла.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

2 Гапирилаётган вақтда кўз олдида йўқ, аммо маълум шахс, нарса ва ш.к.га ишора қилади. *Ўтган йили анови омборчи Абдусаманнинг ўғли ҳам имтиҳондан ўтолмай қайтиб келди.* С. Зуннунова, Олов.

АНОВ-МАНОВ *с. т.* Унча-мунча, жўн. *Ҳусанбек тўрам анов-манов одамни меҳмонга чорламайди.* С. Сиёев, Аваз. *Бу анов-ма-*

нов гап эмас, афандилар. Кўпчилик ичида айтишганингиз чакки бўлибди. К. Яшин, Ҳамза.

Анов-манов билан У-бу қилиб, жиддий бўлмаган юмушлар билан. *Кундузларини-ку анов-манов билан ўтказиб овуняпман-а..* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

АНОД [*юн.* anodos – юқорига ҳаракатланиш; кўтарилиш, юқорилаш] *физ.* Мусбат зарядланган электрод; *зид.* **катод**. *Мис анод. Анод токи.*

АНОЙИ Ўз ишига пухта эмас, бировнинг сўзига лаққа учадиган; содда, гўл. *Бойлар, бойваччалар анойи эмас, унга ўз меҳмонхоналаридан жой бериб, зиёфат қилишлари бежиз эмас экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *..оғзидагини олдирадиган анойи бормиꞏꞏ* Т. Ашуров, Оқ от.

АНОМАЛИЯ [*юн.* anomalia – нотекислик; меъёрдан четлашиш] Меъёрдан, умумий қонуниятдан четга чиқиш; нормага, умумий қонуниятга хилофлик. *Ўсишдаги аномалия. Жисмоний ривожланишдаги аномалия.*

АНОНИМ [*юн.* anonymos – номсиз] **1** Хат ёки асарнинг ўз номини яширган муаллифи.

2 Муаллиф номи қайд этилмаган хат ёки асар. *Аноним хат.*

АНОНИМКА *с. т.* Муаллифи кўрсатилмаган, имзосиз хат; аноним хат, юмалоқ хат.

АНОНИМЧИ Аноним ёзувчи, аноним ёзишни касб қилиб олган шахс. *Буюк ва беқиёс ҳамда ветеран анонимчи устидан тупроқ тортилди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

АНОНС [*фр.* annonce – оммавий ахборот, эълон] Гастроль, спектакль, концерт ва ш.к. ҳақидаги олдиндан тарқатилган эълон. *Анонс тарқат*моқ.

АНОР [*ф.* انار] **1** Анордошларга мансуб, кичикроқ дарахт ёки бута шаклидаги субтропик ўсимлик. *..ҳар жой-ҳар жойда кўмилган анор туплари дўмбайиб ётибди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шу дарахтнинг ичи қизил доналар билан лиқ тўла юмалоқ меваси. *Аччиқ анор. Чучук анор. Анор суви.* ▬ *Учинчи куни Ҳафиза олма, асал.. анорлар билан тўла сеткани.. бир қиздан Умидга киритиб юборди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Анор (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

АНОРГАНИК [*юн.* an – инкор қўшимчаси + organismus – тирик мавжудот] Ўсимлик ёки ҳайвонот оламига мансуб бўлмаган, ноорганик. *Анорганик моддалар.*

Анорганик кимё Кимёвий элементлар ва улардан ҳосил бўлган бирикмалар ҳақидаги фан.

АНОРДОШЛАР Ёпиқ уруғлилар бўлимига мансуб ўсимликлар оиласи.

АНОРЗОР Нуқул анор билан банд ер, боғ.

АНОРМАЛ [*юн.* a – инкор қўшимчаси + *лот.* norma – қоида, меъёр, раҳбарий кўрсатма] Нормадан четга чиққан, нормага, умумий қонуниятга хилоф, нонормал. *Анормал ҳолат. Анормал ҳодиса. Анормал ўсиш.*

АНСАМБЛЬ [*фр.* ensemble – бирга, биргаликда; бирлик, уйғунлик, оҳангдошлик] **1** Ўзаро мос ва уйғун қисмларнинг бирикувидан иборат бино ва иншоотлар мажмуи. *Шаҳар марказида улуғвор архитектура ансамбллари барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

2 Бир бутун бадиий жамоа бўлиб томоша кўрсатадиган артистлар гуруҳи, жамоаси. *Ашула ва рақс ансамбли.* ▬ *«Баҳор» Давлат рақс ансамблининг бадиий раҳбари.. Кундуз Миркаримова бундай деди.* Газетадан.

3 Театр санъатида: драматург, режиссёр, рассом, композитор ва актёрлар ижодининг уйғунлиги.

4 Амалий санъатда: туси бир хил, бичими бир-бирига монанд бўлган кийим-кечаклар мажмуи.

АНТАГОНИЗМ [*юн.* antagonisma – баҳс, кураш] Келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, зиддият. *Синфий антагонизм.*

АНТАГОНИСТ Муросасиз душман, келиштириб бўлмайдиган душман.

АНТАГОНИСТИК Бир-бирига тамоман зид, душман бўлган; келиштириб бўлмайдиган, бартараф қилиб бўлмайдиган. *Антагонистик синфлар. Антагонистик қарама-қаршиликлар.*

АНТАРКТИДА Антарктика (Жанубий қутб) ҳудудининг марказий қисмини эгаллаган материк.

АНТАРКТИКА [*юн.* anti – қарши, тескари + Арктика] *(А – катта)* Ер шарининг жанубий қутбий ҳудуди: унга Антарктида материги, унинг атрофидаги ороллар киради.

АНТЕННА [*лот.* antenna – кема мачтасидаги кўндаланг ёғоч; ҳашарот мўйлови] Электромагнит тўлқинларни фазога узатувчи ёки қабул қилувчи қурилма. *Радио антен-*

наси. Телевизор антеннаси. Узатувчи антенна. Қабул қилувчи антенна.

АНТИ- [*юн.* anti – қарши, зид] Маълум сўзларга олд томондан қўшилиб, шу сўз ифодалаган нарса (белги, ҳаракат)нинг қаршисини, зиддини билдирувчи қўшимча. *Мас., антифашист.*

АНТИБИОТИК *қ.* **антибиотиклар.**

АНТИБИОТИКЛАР [анти.. + *юн.* bios – ҳаёт**]** Баъзи микроорганизмлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳаёти жараёнида ишланиб чиқадиган ва турли хил микробларнинг ўсиши ва ривожланишини тўхтатиб қўядиган моддалар.

АНТИГЕНЛАР [анти.. + *юн.* genos – насл; келиб чиқиш] Организмга юборилганда, қон ва бошқа тўқималарда антитаналар ишланиб чиқиши ва иммунитет ҳосил бўлишига сабаб бўла оладиган моддалар.

АНТИК [*лот.* antiquus – қадимги] Қадимги Юнон (Греция) ёки Рим ижтимоий тузумига, маданиятига, санъатига оид ёки хос бўлган. *Антик фалсафа.* ▬ *Жумладан, антик давр олимлари Геродот, Аристотель.. ва бошқаларнинг асарларини келтирди.* Газетадан.

АНТИНОМИЯ [*юн.* antinomia – қонуннинг ички зиддияти] Мантиқан ҳар бири исботланадиган икки қонун, мулоҳаза ёки хулоса ўртасидаги зиддият.

АНТИПАТИЯ [*юн.*anti patheia – кимнидир ёкиниманидир яхши кўрмаслик] Хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик муносабати, совуқ муносабат. *зид.* **симпатия**.

АНТИСЕМИТИЗМ [анти.. + Сом – Нуҳ пайғамбарнинг ўғилларидан бирининг номи] Миллий ва диний муросасизлик шаклларидан бири бўлиб, у яҳудийларга душманлик кўзи билан қарашда ифодаланади.

АНТИТАНАЛАР Организмга оқсил табиатли модда (антиген) киритилганда, унга қарши ҳосил бўладиган моддалар.

АНТИТЕЗА [*юн.* antithesis – қарама-қарши қўйиш] **1** *ад.* Қиёсланувчи фикр, тушунча, образларни қарама-қарши қўйишдан иборат услубий йўл. *Мас.: Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар.* Мақол.

2 *айн.* **антитезис**.

АНТИТЕЗИС *флс., мнт.* Тезисга қарши қўйилган ҳукм, муҳокама, фикр; қарама-қарши тезис.

АНТИТЕЛОЛАР *қ.* **антитаналар.**

АНТИФРИЗЛАР [анти.. + *ингл.* freeze – музлатиш] Паст температурада ишловчи ичдан ёнув двигатели ва б. турли қурилмаларни совитиш учун ишлатиладиган, анча паст температурада (-75° гача) музламайдиган суюқликлар.

АНТИФАШИСТ [анти.. + фашизм] Фашизм душмани, фашизмга қарши курашувчи; фашизмга қарши кураш қатнашчиси. *Антифашист ҳаракат.*

АНТИЦИКЛОН [анти.. + циклон] *метеор.* Ҳаво оқимлари ҳаракатидан ҳосил бўладиган жуда катта атмосфера гирдоби.

АНТИҚА [*лот.* antiquus – қадимги] **1** *эск.* Қадимдан қолган, қадимга оид. *У* [*Искандар*] *энди девор ғиштларини бузиб, антиқа белгиларини йигитларга узатар экан.. хумча очилиб боргани сари юрагидаги ғулғула ҳам ортар эди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Жуда қойил, ҳайратга соладиган. *Отамурод оддий бодринг, помидорларни турли усулларда қирқиб, антиқа салатлар тайёрлар.. Зулхумор бўлса, унинг бу санъатига маҳлиё бўлиб ўтирар эди.* М. Мансуров, Ёмби. *«Дўстлик» меҳмонхонасигача бўлган масофани эринмай босиб ўтсангиз, антиқа бозорга дуч келасиз.* Газетадан.

3 Юқори навли қоракўл терининг бир тури.

АНТИҚИЙ *айн.* **антиқа**.

АНТОЛОГИЯ [*юн.* anthologia < anthos – гул + lego – териш; гуллар дастаси] *ад.* Турли муаллифларнинг танланган асарлари (кўпинча шеърлари) тўплами.

АНТОНИМЛАР [анти.. + *юн.* onyma – ном] *тлш.* Қарама-қарши, зид маъноли тил (нутқ) бирликлари. Мас., *оқ – қора, қаттиқ – юмшоқ, аччиқ – ширин* антоним сўзлар.

АНТОНИМИЯ Антонимлик ҳодисаси

АНТРАКТ [*фр* . entracte < entre – орасида, ўртада + acte – иш, ҳаракат] **1** Спектакль пардалари ёки концерт бўлимлари орасидаги танаффус.

2 Опера ёки драматик спектакль пардалари, кўринишларига муқаддима ҳисобланадиган мусиқа асари.

АНТРАЦИТ [*юн.* anthrakos – кўмир] Тим қора, ялтироқ, зич, кучли иссиқ берадиган тошкўмир.

АНТРОПО- [*юн.* anthropos – одам] Одамга алоқадорликни билдирувчи ясама сўзларнинг таркибий қисми.

АНТРОПОЛОГ Антропология олими, мутахассиси. *Антропологлар қадимги одамлар тўғрисида нодир маълумотлар олишда.. имкониятлардан кенг фойдаланишмоқда.* «Фан ва турмуш».

АНТРОПОЛОГИК Антропологияга оид. *Антропологик текширишлар. Антропологик музей.*

АНТРОПОЛОГИЯ [антропо... + *юн.* logos – таълимот, тушунча] Одамнинг келиб чиқиши, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги табиий фарқ-тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан.

АНТРОПОМЕТРИК Антропометрияга оид. *Антропометрик маълумотлар.*

АНТРОПОМЕТРИЯ [антропо.. + *юн.* metreo – ўлчайман] Антропологик тадқиқотларда одам танаси ва унинг аъзоларини ўлчаш усулларидан бири.

АНТРОПОНИМИКА [антропо.. + *юн.* onyma – ном] Ономастиканинг киши исмлари, уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ш.к. масалаларни ўрганувчи бўлими.

АНУВ *с.т.* **анави.**

АНУРИЯ [*юн.* an – инкор қўшимчаси + uron – сийдик] Сийдик тутилиши (буйракда ҳосил бўлган сийдик қовуққа тушмайди).

АНЧА *рвш.* Нарса, ҳодиса, иш-ҳаракатнинг миқдор, даража, вақт нуқтаи назаридан «кўпроқ» белгисини билдиради. *Комилжон ана шу боғни тиклашга киришган, анчагина жойга кузги кўчатлар ўтқаздирган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Асрoранинг хати Низомжонни анча руҳлантириб қўйганди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кел, қизим, меҳмонларинг сени анча кутиб қолишди-ку.* С. Зуннунова, Олов.

АНЧАЙИН 1 Сезиларли даражада, анчагина. *Албатта,* [*Амир Темур тимсолини*] *яратиш жараёнининг анчайин қийин кечганини айтиб ўтиш жоиз.* Газетадан.

2 Йўли учун, шунчаки. *Ўктам бу таклифлар чинми ё анчайин одамгарчиликми, илжайишнинг маъноси не экан, деб ичида ўйлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

АНЧАКИ *айн.* **анчайин.**

АНЧА-МУНЧА Талайгина, анчагина. *Анча-мунча нарса. Анча-мунча одам йиғилди. Анча-мунча иш қилинди.* ▬ *Чорбоғдаги дарахтлар ҳам анча-мунча.* «Ёшлик».

АНЧАР [*малайяча*] Танасининг ниҳоятда заҳарли сут шираси тиббиётда фойдаланиладиган тропик дарахт; заққум.

АНШЛАГ [*нем.* Anschlag – афиша, оммавий эълон] Театр, кино ва б.нинг кассасида билетлар сотилиб бўлганлиги ҳақидаги махсус эълон.

АНЪАНА [*а.* عنعنه – наслдан наслга ўтувчи қоида] Ҳаётда қарор топган (топаётган) удум, урф-одат ва бошқа амаллар. *..Яъни табиат гўзаллигидан баҳра олиш – бу оиланинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъанаси!* «Тафаккур». *Қолаверса, хайрия тадбирларини марказимиз ёшлари учун доимий анъанага айлантириш мўлжалланмоқда.* Газетадан. *..лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар.. миллий расм-русмларимизга путур етказмоқдалар, муқаддас анъаналаримизнинг обрўсизланишига сабаб бўлмоқдалар.* Газетадан.

АНЪАНАВИЙ Анъанага айланган. *Бу йилги анъанавий навоийхонлик республика пойтахтида бошланди.* Газетадан.

АНҚАЙМОҚ 1 Ҳайронлик билан қарамоқ, ҳайрон бўлиб оғзи очилиб қолмоқ. *Куёвимизнинг ўзи лақабини эшитганда, ростдан ҳам анқайиб қолди, қизарди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Миршаблар Йўлчига зуғум билан ўкрайиб ўтишди. Йўлчи бир минут анқайиб қолди-да, юкни нари-бери орқалаб, уларнинг* [*миршабларнинг*] *изига тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бепарво, лоқайд қарамоқ; анграймоқ. *-Анқайманглар, тезда гўжа тайёр бўлади,* – *деди ишлаётганлар олдига бориб навкар, мўйловини бураркан.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шодиёр.. жиянига ўшқирди: -Сувдан қуй, нега анқаясан.* «Ёшлик».

АНҚИМОҚ Тарқалмоқ, гуркураб турмоқ (ҳид ҳақида). *Саодатхон акация ҳиди анқиб ётган маданият ва истироҳат боғига ёндош кўчага бурилди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

АНҚО [*а.* عنقا – афсонавий қуш; самандар] Оти бор, ўзи йўқ афсонавий қуш (Гўё Қоф тоғида қушларнинг подшоҳи бўлиб яшар эмиш).

Анқонинг уруғи (*ёки* **тухуми**) *ёки* **анқога шафе** Сира топилмайдиган ёки ғоят кам учрайдиган нарса ҳақида. [*Кенжа*] *Ҳар ёққа аланглаб, бошпана кўзлашга тушди. Даштда бундай бошпана анқонинг уруғи.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

АНҚОВ Эс-ҳушини ҳадеганда йиғиб ололмайдиган, гапга ҳадеганда тушуниб етолмайдиган; овсар, эсар. *Элмурод ичида:*

«Анқовни топдинг, билганингни маъқуллай бер, чол!» — деб қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Кекса эшон эса ўз тажрибасидан чиқарган лўнда хулосани анқов отинойига чайнаб бермоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АНҚОВЛАНМОҚ *айн.* **анқовсирамоқ**. *-Йўқ, — деди Баширжон анқовланиб, — тушунмадим.* Н.Аминов, Ёлғончи фаришталар.

АНҚОВЛИК Анқовга хос ҳолат, хатти-ҳаракат. *Бошда ўзим анқовлик қилдим. Бўлмаса, ўз қўлим билан қўзичоқдай боқиб ўстирган қизни эшикдан кириб келган бегона одамлар қўлига топшириб ўтирармидим?* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ўзини анқовликка солмоқ Ўзини анқов, меров қилиб кўрсатмоқ. *Викторнинг нимага шама қилаётганини сезса ҳам, ўзини анқовликка солиб: -Қанақа ишлардан? — деди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

АНҚОВСИРАМОҚ Анқовлардек довдирамоқ ёки ўзини анқовликка, овсарликка солмоқ. *Ортиқ унинг тепасида нима қиларини, нима деярини билмай, анқовсираб турарди.* М. Мансуров, Ёмби. *Элмурод секин кулиб қўйди. Муса эса анқовсираб сўрай берди: -Тавба! Бунинг ишқи нимага экан-а, ота?* П. Турсун, Ўқитувчи.

АНҒИЗ 1 Экини ўриб-йиғиб олинган ер, майдон. *Сувонжон.. қир бағридаги анғизга қўйларни ёйиб юборди-да, ўзи ажриқ устига ёнбошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Муайян экин ўриб олингандан кейин унинг далада тиккайиб қолган пояси. *Аҳёнда бир беда анғизида ўтлаб юрган ҳўкиз ва отлар кўринади.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

АНҒИРТ Ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар оиласига мансуб парранда; тўрамижоз.

АНҒИШЛАМОҚ *фольк.* Ирғишлаб ўйнамоқ, гижингламоқ. *Кетди бедов от анғишлаб, Авазнинг вақтини хушлаб.* «Интизор». *Анғишлайди Заргарнинг минган оти.* «Маликаи айёр».

АНҲОР [*а.* انهار — дарёлар] Катта ариқ, катта суғориш канали. *Тоғдан эриб тушган қор ва ирмоқлардан каттагина анҳор ҳосил бўлган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Илгари канал тўғрисида гап бўлганда, Сидиқжон уни бирон тегирмон сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди, тупроқни кўриб: -Э-ҳа, — деди, — каттакон анҳор-ку.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АОРТА [*юн.* aorte < aeiro — кўтараман] *анат.* Юракнинг чап қоринчасидан бошланадиган энг катта томир, шотомир, шоҳтомир. Ундан тарқаладиган артериялар бутун аъзо ва тўқималарни кислородга бой қон билан таъминлайди.

АПАРТЕИД [*африкаанс.* apartheid — алоҳида-алоҳида яшаш] Ирқий камситишнинг энг ашаддий кўриниши.

АПАТИТ [*лот.* apatetikos — алдовчи, адаштирувчи] Вулкандан отилиб чиққан кўпгина жинсларнинг доимий таркибий қисми бўлган минерал (асосан фосфатли ўғитлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади).

АПАТИЯ [*юн.* apatheia — лоқайдлик, қизиқишнинг йўқолиши; ҳиссизлик] **1** Одамнинг теварак-атрофидаги воқеа ва ҳодисаларга лоқайд бўлиб қолиш ҳолати.

2 *тиб.* Ташқи муҳитга қизиқмай, бутунлай бепарво бўлиб қолиш билан ифодаланадиган касаллик ҳолати.

АПЕЛЛЯЦИЯ [*лот.* appellatio — мурожаат, шикоят] **1** Бирон-бир қарор, фикр, олинган натижа юзасидан юқори ташкилот ёки идорага шикоят аризаси билан мурожаат этиш.

2 Суд ҳукми юзасидан норозилик билдириб, уни моҳиятига кўра қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори судга шикоят қилиш шаклларидан бири. *Тараққий этган чет мамлакатлардагидай бизда ҳам апелляция судларини ташкил этиш пайти келди.* Газетадан.

3 Маслаҳат бериш, қўллаш учун мурожаат.

АПЕЛЬСИН [*голл.* appelsien — айнан "хитой олмаси"] **1** Жануб томонларда ўсадиган доим яшил цитрус дарахт ёки бута.

2 Шу дарахтнинг пўсти тўқ сариқ, гўшти юпқа пардалар билан каржларга бўлинган юмалоқ ёки чўзинчоқ серсув меваси. *Апельсин, лимон ва мандариннинг бебаҳолиги қобиғида ифори мойи бўлишлигидир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

АПИЛ-ТАПИЛ *рвш.* Тезлик билан, наридан-бери, шоша-пиша. *Апил-тапил кийинмоқ.* ▬ *Ҳожия.. чўчиб кўзини очди-да, апил-тапил сочларини тузатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

АПИР-ШАПИР *рвш.* Шапир-шупур, тез-тез, наридан-бери. *Апир-шапир ювинмоқ.* ▬ *Башорат овқатни ўғил болалардай тез,*

апир-шапир ичиб, ҳаммадан олдин тугатди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

АПОГЕЙ [*юн.* apogeios – Ердан узоқда (жойлашган)] *астр.* Ер йўлдоши орбитасининг Ер марказидан энг узоқ нуқтаси.

АПОПЛЕКСИЯ [*юн.* apoplesso – зарб билан шикаст етказаман] *тиб.* Бош мияга қон қуйилиши ёки мия томирига қон қуйқаси тиқилиб қолиши натижасида ҳушдан кетиш ёки бирор-бир фалаж билан ўтадиган касаллик ҳолати.

АПОРТ(ЛАР) [*лот.* apporto – келтираман, олиб келаман] Сотилган акцияларга тўлов сифатида акциядорлик жамиятига келиб тушадиган мулк.

АПОСТЕРИОРИ [*лот.* a posteriori – кейингидан, кейин турганидан] *флс., мнт.* Тажрибага асосланган, тажрибадан келиб чиқадиган; *зид.* **априори.** *Апостериори мулоҳаза.*

АПОСТРОФ [*юн.* apostrophos – четга, орқа томонга қараган, қаратилган] Ёзувда (баъзи тилларда) ҳарфий белги билан кўрсатилмайдиган унли ўрнида сатр устига қўйиладиган, вергул кўринишидаги белги (’).

АПОҚ-ЧАПОҚ Ўзаро аҳил; иноқ, тотув. *Хўш, энди даромаду буромадингни қўй, иккинчи хотининг билан апоқ-чапоқмисан?* [*сўради шериги шофёрдан*]. «Муштум». [*Қозикалон:*] *Тортишманглар, апоқ-чапоқ яшанглар.* И. Раҳим, Ихлос.

АПОҚ-ЧАПОҚЛАШМОҚ Иноқлашмоқ, апоқ-чапоқ бўлиб кетмоқ. *Фотима билан апоқ-чапоқлашиб юрганларингизни ўз кўзи билан кўрганлар бор-ку!* М. Жабборов. Севинч ёшлари.

АППАРАТ [*лот.* apparatus – тайёргарлик; жиҳоз, ускуналар] **1** Муайян бир ишни бажариш учун хизмат қиладиган асбоб, мослама, механизм ва ш.к. нинг умумий номи. *Телефон аппарати. Фотография аппарати.* ▬ *Ҳозир армиямиз.. радиотехника ва электрон-ҳисоблаш аппаратларига.. эга.* «Фан ва турмуш».

2 *физиол.* Маълум вазифани бажарувчи аъзолар мажмуи. *Кўриш аппарати. Нафас олиш аппарати.*

3 Бошқарма ёки хўжаликнинг бирор соҳасига хизмат қиладиган муассасалар мажмуи, мазкур муассасаларнинг ходимлари. *Давлат аппарати. Партия аппарати. Бошқарув аппаратини қисқартирмоқ.* ▬ *Раис (оқсоқол), котиб ва аппарат ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.* Газетадан.

АППАРАТУРА Муайян бир ишни бажарувчи аппаратлар мажмуи; лаборатория, цех, катта қурилма ва ш.к. нинг асбоб-ускуналари. *Кимёвий аппаратура. Электр билан бошқариш аппаратураси.*

АППАРАТЧИ Аппаратлар ишини бошқариб ёки назорат қилиб, тўғрилаб турувчи ишчи.

АППЕНДИКС [*лот.* appendix – ортиқ, ўсимта] *анат.* Кўричакнинг чувалчангсимон ўсимтаси.

АППЕНДИЦИТ *тиб.* Аппендикснинг яллиғланиши.

АППЛИКАЦИЯ [*лот.* applicatio – мойиллик; бирлашиш, қўшилиш] **1** Бирор газлама, қоғозга ранг-баранг газлама ёки қоғоз парчаларини ёпиштириб ёки тикиб нақш солиш усули.

2 Шу усул билан солинган сурат, нақш; шундай нақшли буюм.

АПРЕЛЬ [*лот.* aprilis < apricus – қуёш иситадиган] Янгича йил ҳисобида тўртинчи ой. *Биринчи апрель. Апрель кунлари.*

АПРИОРИ [*лот.* a priori – аввал бошдан, аввал тургандан] *флс. мнт.* Тажрибага асосланмаган, тажрибадан олинмаган, тажрибадан олдинги; *зид.* **апостериори**. *Априори даъво.*

АПРОБАЦИЯ [*лот.* approbatio – маъқуллаш, тасдиқлаш] **1** Текшириш, синаш ва муҳокама асосида расмий суратда маъқуллаш. *Ўқув дастурларини апробация қилиш.*

2 *қ. х.* Энг яхшиларини уруғликка ажратиш мақсадида экинларнинг ҳосили сифатини аниқлаш.

АПТЕКА [*юн.* apotheke – омбор, склад] **1** Врачларнинг ёзиб берган рецептларига қараб дори тайёрлайдиган, шунингдек, дори-дармон ва бошқа тиббиёт молларини сақлайдиган ва сотадиган муассаса, дорихона.

2 *айн.* **аптечка**.

АПТЕКАЧИ 1 Аптекада дорилар тайёрлайдиган ходим; фармацевт.

2 *эск.* Аптека эгаси, хўжайини.

АПТЕЧКА Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда, асосан, ўз-ўзига ва ўзаро ёрдам беришда ишлатиладиган дори-дармонлар ҳамда улар сақланадиган қутича.

АПШУ *тақл. с.* Аксириш товушининг ёзувдаги шартли ифодаси.

АПШУРМОҚ *кам қўлл. айн.* **аксирмоқ.**

АР [*фр.* are < *лот.* area – майдон, сатҳ, юза] Метр ўлчови тизимида юз квадрат метрга тенг ер ўлчов бирлиги, бир гектарнинг юздан бир қисми.

АРАБ [*а.* عرب] **1** Осиёнинг Форс қўлтиғи билан Ўрта денгиз орасидаги қисмида ва Шимолий Африкада яшовчи, сомий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ (миллат) номи.

2 Шу халқ (миллат)га мансуб (шахс, мамлакат ва ш.к). *Араб зиёлилари. Араб тили.*

АРАБИ Арабларга ва Арабистонга оид. *Араби гилам. Араби от.* ▬ *Дуторбўйин араби отлар, Чу деса бир қирдан хатлар.* «Равшан».

АРАБИЗМ *тлш.* Араб тилидан ўзлаштирилган сўз ёки ибора.

АРАБИЙ *эск.* Арабларга, араб тили ва адабиётига оид; арабча. *Арабий адабиёт.* ▬ *Яна ўша арабий ва форсий иборалар тўла, биз тушунмайдиган машаққатли ўқишга шўнғиб кетдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

АРАБЛАР Осиёнинг Форс қўлтиғи билан Ўрта денгиз орасидаги қисмида ва Шимолий Африкада яшовчи, сомий тиллардан бирида сўзлашувчи халқлар.

АРАБЧА 1 Арабларга, араб алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Арабча ёзув. Арабча кийим.* ▬ *Тожибой саводсиз эди. Фақат кимдандир ўрганилган учта арабча ҳарф билан «Тож» деб жуда ғалати қилиб қўл қўяр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Араб тили. *Сиз арабчани биласизми? Арабча гапирмоқ.*

АРАБШУНОС Араб тили, ёзуви, маданияти ва тарихи бўйича мутахассис олим.

АРАБШУНОСЛИК Араб халқининг тили, маданияти, иқтисодиёти ва тарихини ўрганувчи фанлар мажмуи.

АРАВА, ароба [*а.* عربه – арава, вагон, автомашина] Асосан икки ёки тўрт ғилдиракли, от, эшак ёки ҳўкиз қўшиладиган транспорт воситаси. *Кун ботгандан кейин келин ва унинг дугоналари тушган узун соябон аравалар етиб келди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Устига икки-уч боғ беда ташланган арава келиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Оташ арава *с. т. эск.* Поезд. **Шайтон арава** *с. т. эск.* Велосипед. **Аравангни торт** Жўнаб қол, юришингни қил, ишингни қил. *Ҳа, ҳа, мен сенларнинг хизматкоринг бўламанми, аравангни торт, шуни билиб қўй, оч қолсам қоламанки, бу ишларни қилмайман.* Р. Файзий, Биринчи баҳор. **Аравани (қуруқ) олиб қочмоқ** Қуруқ, баландпарвоз гап қилмоқ, беҳуда мақтанмоқ. *-Саидғози ака! – деди* [*Назаров*] *кинояли жилмайиб, – ҳадеб аравани қуруқ олиб қочаверманг. Сиз билган сиёсатни биз ҳам биламиз.* С. Анорбоев, Оқсой. **Ўз аравасини тортмоқ** Ўз ишини, тирикчилигини ўзи қилмоқ. *Бу кунгача ҳар икки бригадир ўз улушига тушган вазифани бажариб, содда қилиб айтганда, ўз аравасини тортиб келишарди.* Ҳ. Нуъмон, Меҳр.

АРАВАК *шв.* Булоқи (бурунга тақиладиган сирға).

АРАВАКАШ 1 *от* От-арава билан юк ташувчи, арава минувчи, ҳайдовчи одам. [*Йўлчи*] *Отнинг жиловидан тортди, аравакаш ғилдиракдан тортди. От силжимади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *сфт.* Аравага қўшиладиган, юк тортадиган. *Аравакаш от.*

АРАВАСОЗ Арава ясовчи уста. *Энди сизга битта арава керак. Мен уста Мадамин аравасоз билан гаплашиб келдим.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

АРАВАСОЗЛИК Арава ясаш касби.

АРАЗ [*а.* عرض – рад, инкор қилиш; тескари қараш] Айбситиб, гина-кудурат сақлаб гаплашмаслик, мулоқотда бўлмаслик ҳолати. *Шунга ҳам аразми?* У *мендан араз. Ака-ука бир-биридан араз.* ▬ *Жўрахон йиғламсираб жавоб қилди. Унинг бу ҳолати хафа қилинган жажжи қизнинг аразига ўхшар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қирқ йил қадрдон дўст бўлиб ажралиб кетган одамдай, ҳам соғинч, ҳам араз аралаш мавҳум бир туйғу ичра тўлғаниб эслади.* С. Сиёев, Аваз.

АРАЗЛАМОҚ Араз қилмоқ. *Моҳлар ойим махдумдан аразлаб, Марғилон кетишга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳеч бир мусулмон киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юриши жоиз эмасдир.* Газетадан.

АРАЗЛАШМОҚ Аразламоқ фл. бирг. н. *Бир-бири билан аразлашганлар кўришмайди.* ▬ *Сиз билан биз аразлашганимиз йўқ, шекилли?* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Кумуш:*] *Мендан бошқа хотин бўлса, Зайнабингиз билан биринчи кунданоқ аразлашар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АРАЗЧИ Ҳар нарсага аразлайверадиган, бўлар-бўлмасга тумшаяверадиган. *Аразчи*

қиз. Аразчи одам. ▬ *Аразчи десангиз ҳам шу* [*Кумуш*], *ичи қоралик десангиз ҳам шунда.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АРАЙИШ [*ф.* آرایش – безак; тартиб] Бичилаётган, тикилаётган нарсанинг чокидаги ортиқча жойи, кўсти.

Арайишини олмоқ 1) бичилаётган, тикилаётган нарсанинг чокидаги ортиқча ерини қийиб тўғриламоқ, бичимини келтирмоқ; 2) *кўчма* бирор нарсадан бир қисмини ўғирламоқ, ўмармоқ.

АРАЛАШ 1 *сфт. рвш.* Қўшилган, қоришган, бирга ҳолатда (турли хил кишилар, нарсалар). *Аралаш ўрмон. Аралаш сонлар.* ▬ *..теразадан мўраласам, бир уй хотин, эркак аралаш!* А. Қодирий, Жинлар базми. *Ёшу қари, эркак-аёл аралаш, олти даврага бўлинди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўм. взф.* Билан. *Бобо бирдан қорни аралаш кўкрагини ушлаб қолди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Ортиқ жаҳл аралаш четга тупурди.* М. Мансуров, Ёмби. *-Кўп ўрнида кўрасизлар-да энди, – деди хижолат аралаш.* М. Мансуров, Ёмби.

АРАЛАШИБ-ҚУРАЛАШИБ *рвш.* Аралаш-қуралаш бўлиб, қўшилиб-қоришиб. *Тўйда аралашиб-қуралашиб юраверади, киши.* Ойбек, Танланган асарлар.

АРАЛАШИГА *рвш.* Катта-кичик, яхши-ёмони биргаликда. *Аралашига икки сўмдан. Аралашига танқид қилмоқ.*

АРАЛАШМА Турдош, жинсдош бўлмаган моддаларнинг, элементларнинг механик қўшилмаси; турли моддаларнинг қўшилувидан ҳосил бўлган маҳсулот. *Алебастр билан қум аралашмаси.* ▬ *Бемор ётган хона поллари.. хлорли аралашмадан фойдаланган ҳолда 2-3 марта артилади.* Газетадан.

АРАЛАШМОҚ 1 Бир-бирига қўшилмоқ. *Икки томон қўйлари аралашиб кетди.* ▬ *Кўчаларда найзабозлик жанги бошланиб.. ярим кечага борганда, икки томон аралашиб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бирор гуруҳ, тўда ва ш.к. га қўшилмоқ, кирмоқ. *Ўқимайдиям, ишламайдиям бу такасалтанглар. Сен нимага буларга аралашиб қолдинг?* «Ёшлик». *Одамларга ҳам аралашмай, бир чеккага бориб, бошини эгиб ўтираверди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳаром аралашган турмушда бахт бўлмайди.* С. Зуннунова, Олов.

3 Бош қўшмоқ; қотишмоқ, қатнашмоқ (гап, сўз, иш ва ш.к. га). *Ноилож менинг ҳам аралашишимга тўғри келди.* Газетадан. [*Ёрмат:*] *Бу оилада нима сир ўтса, барчаси менга аён. Тўй, аза – барисига аралашаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Алоқа, муносабатда бўлмоқ; одамларга қўшилмоқ. *Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб кулмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Оқибатда маҳаллага чиқиб аралашиб юришдан ҳам тортилдим.* Газетадан.

АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ Аралаш (аралашган) ҳолатли; қоришган. *Унинг бошидаги фикрлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди.* ▬ *Келинлар, жувонлар, кампирлар аралаш-қуралаш бўлиб, Мирзакаримбойнинг данғиллама дарвозасига кирадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

АРАНГ *рвш.* Катта қийинчилик билан, қаттиқ уриниш, машаққат билан; зўр-базўр, зўрға. *Йўлчи «дўппи бозор»дан аравани аранг олиб ўтди: бу ерда зўр тиқилинч, кўпчилиги хотин-қизлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғишт зинадан Зулфизар аранг чиқиб келар, у бемажол, рангида ранг қолмаган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

АР-АР I: **ар-ар қилмоқ** Унар-унмасга ариллламоқ, ариллаб йиғламоқ.

АР-АР II:[*а.* عرعر – арча] **ар-ар терак** Пирамидасимон терак; шотерак. *Тахта кўприкнинг нариги томони.. янги бинолар бўлиб, олдиларига қатор ар-ар тераклар экканлар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

АРАСОТ [*а.* عرصات – майдонлар; ҳовлилар] **1** *дин.* Ислом динида айтилишича, қиёмат қойим бўлганда, жамики одамзод тирилиб тўпланадиган қўрқинчли дашт, қиёмат майдони.

2 *кўчма* Шовқин-сурон, ола-тўполон, қирғин-барот. *Арасот солмоқ (кўтармоқ).*

Арасотда қолмоқ На у ёқли ва на бу ёқли бўлмай, аро йўлда қолмоқ; қилар ишидан янглишиб, гангиб қолмоқ.

АРАФА [*а.* عرفه – Макка ш. яқинидаги тоғ номи; билиш, таниш] **1** *дин.* Рамазон ёки Қурбон ҳайитидан олдинги кун. *Арафадан уч кун олдин.* ▬ *Қурбон ҳайити арафасида қишлоқи мурид Тиллабой яна бир қўй келтириб ташлади. Эшон қўй сўйиб, қурбонлик қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ёлғон арафа Ҳайитдан олдинги иккинчи кун, индинга ҳайит деган кун. **Чин арафа** Ҳайитдан олдинги кун, эртага ҳайит деган кун.

2 Байрам ёки бирор тантанали кундан олдинги кун (кунлар). *Янги йил арафаси. Тўй арафаси.* — *-Бугун байрам арафаси, — деди Тургенев, жангчиларга ўйчан тикилиб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АРАФАСИДА 1 Арафа с. ў.-п. к.

2 *кўм. ваз.* Вақт муносабатини ифодалайди, ўзи бириккан сўз билдирган нарса, ҳаракат-ҳодиса олдидаги кун (кунлар)ни билдиради. *Наврўз арафасида кексалар оқ кийим тайёрлашади, ёшлар ранг-баранг гулли кўйлаклар тиктиришади.* «Саодат». *Сессия арафасида сайлов округларида Олий Мажлис депутатлари билан учрашувлар ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди.* Газетадан.

АРАҚ [*а.* عرق — тер; буғланиш] Сув билан вино (этил)спирти аралашмасидан иборат ичимлик.

АРАҚИ *архит.* Шипнинг гир айланасига, бўғот остига, эшик, дераза тепасига ишланган ёғоч накш; карниз.

АРАҚХЎР Ичкиликка берилган, арақни кўп ичадиган киши; пиёниста.

АРАҚХЎРЛИК Арақни кўп ичиш; майхўрлик, ичкиликбозлик.

АРБИТР [*лот.* arbiter — гувоҳ, томошабин; ҳакам, судья] Томонларнинг розилиги билан тайинланган судья; ҳакам.

2 Спорт ўйинлари, мусобақаларининг қоидаларига риоя қилинишини кузатиб баҳоловчи судья.

АРБИТРАЖ [*фр.* arbitrage — ҳакамлик суди] *ҳуқ.* **1** Низоли масалаларни ҳал қилиш учун махсус ташкил этилган ва доимо фаолият кўрсатувчи суд органи, ҳакамлик. *Транспорт ва алоқа соҳаси, божхона, банк, арбитраж ва суғурта тизимларида келажакда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги эътироф этилди.* Газетадан.

2 Фойда олиш мақсадида бир валюта бозоридан сотиб олинган хорижий валютани курсдаги фарқига қараб иккинчи валюта бозорида сотиш.

АРБОБ [*а.* ارباب — жаноблар; хўжайинлар; амалдорлар] **1** Фан, маданият, санъат соҳасида ёки давлат ишида ўз фаолияти билан танилган, шу соҳада ўзини кўрсатган шахс. *Жамоат арбоби. Маданият арбоби. Санъат арбоби. Сиёсий арбоб.*

2 Давлат, ҳукумат аппаратида ишловчи юқори мартабали шахс, раҳбар. *Ўрта Осиё аёлларидан давлат арбоблари, меҳнат қаҳрамонлари, олимлар етишган.* Ойбек, Нур қидириб.

3 *тар.* Бухоро хонлигида: маҳалла бошлиғи, элликбоши ёки қишлоқ оқсоқоли. *Ҳайдар учинчи ғалвирни тўлдираётганда, қишлоқ томонидан ҳар бири бир хуржун кўтариб имом, сартарош ва арбоб шошибпишиб етиб келдилар.* С. Айний, Қуллар.

АРВОҲ [*а.* ارواح — «руҳ» сўзининг кўплиги, руҳлар] **1** Диний тасаввурларга кўра: фақат одам тириклигида, ҳаётида у билан бўладиган, вафотидан кейин тандан чиқиб, абадий мавжуд бўладиган ғайримоддий асос; руҳ. *Тирик мўминлар қарғишидан қўрқмасанг, марҳумлар арвоҳидан қўрқ.* Газетадан. *Шу ерни обод қилинглар. Ҳар ҳолда ота юртинг. Отангнинг арвоҳи ҳам шод бўлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

Арвоҳ оши Ўтган ота-боболарнинг руҳига бағишлаб ўтказиладиган кичикроқ маъракa, йўқлов. *Султонбек сўз олди: «Арвоҳ оши» бермайман, ўғлимни тўй қилмоқчиман, тўй дедим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Арвоҳи пир** *ёки* **арвоҳ пири** Устоз қўлида касб-ҳунар ўрганиб, мустақил иш бошлаш учун фотиҳа олаётган шогирднинг шу муносабат билан ҳамкасаба усталарга ва ўтган пирлар арвоҳини шод этиш мақсадида берадиган зиёфати. *Бўлмаса, уста Олим ўз уйига дўкон қурибдир денг-чи! — Дўкон қурибдир. Арвоҳ пири бермасдан-а?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Марҳумнинг киши хаёлида кўринган шарпаси. *Севгувчи йигитни солмишдир йўлга, Тунда эртак айтган бир мудҳиш арвоҳ.* Ҳ. Олимжон. *Шайх арвоҳдек бесас, бепарво турарди.* С. Сиёев, Аваз.

Арвоҳ капалак Одатда, кечаси чироқ ёруғига келадиган йирик қўнғир капалак (ўлган кишининг руҳи ўз уйига гўё шу капалак суратида келармиш). **Арвоҳ урди** Ишнинг расво бўлиши, ёмон ҳодиса юз беришини руҳнинг ёмон таъсиридан кўришни билдиради. [*Қози*] *Тавба қилдим, худо!* [*Мулладўст:*] *Арвоҳ урди, қози!* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Оч арвоҳ** *ёки* **арвоҳга ўхшаган** Жуда ориқ, қилтириқ; гўё жонсиздек кўринишли.

АРГО [*фр.* argot — жаргон] *тлш.* Ясама тил. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифанинг (мас., талабалар, спортчилар, ўғрилар ва б.) ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлардан иборат тили.

АРГОН [*юн.* argos – ҳаракатсиз] Кимёвий элемент, ҳаво таркибида бўладиган туссиз ва ҳидсиз газ (электр лампалари ва ёритувчи реклама асбоблари ичини тўлдириш учун ишлатилади).

АРГОТИЗМЛАР [*фр.* argotisme < argot – жаргон] *тлш.* Бирон аргодан адабий тилга ўзлашиб қолган сўз ва иборалар. Мас., *қуён* (чиптасиз йўловчилар – шофёрлар тилида).

АРГУМЕНТ [*лот.* argumentum – яққол исбот, аниқ далил] **1** Фикр, даъво ва ш.к.ни исботлаш учун асос, далил.

2 *мат.* Эркин ўзгарувчи миқдор.

АРГУМЕНТАЦИЯ [*лот.* argumentatio – далиллаш, далил келтириш] Керакли фикр ёки қоидани исботлаш учун далилларни ташкил этиш, муҳокама қилиш.

АРДОБ 1 [*ф.* آرد – ун + آب – сув] Молларга ичириш учун сувга ун чалиб тайёрланган озуқа.

2 *кўчма* Ундан, дондан пишириладиган ёғсиз суюқ овқат.

АРДОҚ Иззат-ҳурмат, эъзоз-эътибор ҳисси, шундай ҳис-туйғули муносабат. *Айни дамда фарзандлар ардоғида, иззат-ҳурматда умр кечирмоқда.* Газетадан.

АРДОҚЛАМОҚ 1 Иззат-ҳурмат, ардоқ билан муносабатда бўлмоқ. *..эл ардоқлаган санъаткорлардан бири.* Газетадан. *Қишлоқларимизнинг энг иззатли, энг ҳурматли, халқимиз ардоқлаб, қўлида кўтараётган кишилари.. механизаторлардир.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

2 Эҳтиёт қилмоқ, авайламоқ. *Мен сени ардоқлаб ғубордан, чангдан, Йўлингга ҳар куни сув сепармидим!?* Шуҳрат. *Умр бўйи ардоқлаган азиз нарсасини йўқотгандек эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

АРДОҚЛИ Эъзоз-эҳтиромга лойиқ. *Ардоқли меҳмон.* ▬ *Элимга таниқли, ардоқли чоллар, Ҳамиша беллари белбоғли чоллар.* Миртемир.

АРЕАЛ [*лот.* area – майдон, макон] **1** Ўсимлик ёки ҳайвонларнинг бирор тури, туркуми ёки оиласи тарқалган ҳудуд.

2 Тил ҳодисалари – фонетик, лексик ва б. ҳодисалар тарқалган ҳудуд, лингвистик ареал.

Ареал лингвистика 1) тилшуносликнинг лингвистик ареалларни ўрганиш билан шуғулланувчи соҳаси; 2) тилшуносликда лингвистик ареалларни ўрганишга алоҳида эътибор берувчи йўналиш.

АРЕОМЕТР [*юн.* araios – зич бўлмаган, бўш; суюқ + metreo – ўлчайман] Суюқлик ва сочилувчан қаттиқ жисмларнинг зичлигини ўлчайдиган асбоб.

АРЕСТ [*нем.* Arrest – қамоққа олиш; тақиқлаш < *лот.* arrestum – ҳукм, қарор]*:* **арест солмоқ** *ҳуқ. мл.* Мулк ёки пулдан фойдаланиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этмоқ, мол-мулкни хатлаб, муҳрлаб қўймоқ.

АРЖУМАНД [*ф.* ارجمند – қадрли, иззатли] *эск. кт.* Азиз, қадрли; қимматли. *Фарзанди аржумандига гўдакликдан гўзал тарбия, ҳусн-ахлоқ берган.* Ойбек, Навоий.

АРЗ I [*а.* عرض – баён, изҳор; тақдим этиш] Дард-ҳасрат, шикоят тарзидаги (асосан оғзаки) гап, мурожаат. *Чол бу бегона йигитнинг вазиятида тараддудланиш сезиб, қайтадан сўради: -Хўш, ўғлим, нима арзинг бор?* Ойбек, Танланган асарлар. *Подшойим, бизлар сизга арзга келдик.* «Равшан».

Арзи ҳол *ёки* **арзи бандачилик** Ўз аҳволи ҳақидаги оғзаки баён; дард-ҳасрат; ўтинчли илтимос. *Мен минарман энди аста қушимга, Арзи ҳолим айтдим денгу дўшимга.* «Маликаи айёр». *«Қуш тилини қуш билади» деганларидек, Нодиранинг самимий арзи бандачилиги Моҳлар ойим билан Нигор келиннинг юракларини эзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Арз қилмоқ** 1) билганини, ўйлаганини ёки дард-ҳасратини оғзаки айтмоқ, баён қилмоқ; ўтинчли илтимос билан мурожаат қилмоқ. *-Мен хонни Тошкентдан жўнатиш олдида унинг холи вақтини топиб, бу фикримни бир даража арз қилиб ўтган эдим, – деди* [*қушбеги*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) шикоят қилмоқ. [*Ғофир бой ва қозиларга:*] *Ҳой, бўрилар! Сўзларингдан қайт! Бўлмаса, ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қиламан, халққа!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Арз сўрамоқ** *эск.* Илтимос ёки шикоят билан келганларга, уларни эшитиб, тегишли жавоб-муомала қилмоқ. *Арк – қадим Хоразм шоҳларининг арз сўрайдиган жойи.* Ж. Шарипов, Хоразм.

АРЗ II [*а.* ارض – ер, замин] *эск. кт.* Ер шари ёки унинг бир қисми.

Курраи арз Ер шари. *Глобусни боболар Курраи арз, дебдилар. Яшаган сайёрангни билмоқлик фарз, дебдилар.* А. Орипов. **Арзи Рум** *тар.* Рим империяси. **Арзу само** Ер билан осмон, бутун коинот.

АРЗА *с.т.* **1** *айн.* **арз** I. *Ҳар тарафга арза қилиб, Номи бекларни йиғарман.* «Гўрўғлининг туғилиши».

2 *айн.* **ариза**. [*Қодирқул:*] *Обор, менга арза керак эмас, ерни берсанг, қутуласан..* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

АРЗАНДА [*ф.* ارزنده – арзийдиган, лойиқ] **1** Орзу қилиб етишган ёлғиз ўғил ёки қиз. *Беш яшар қизчасини чақириб, у болага кўрсатиб: -Ана кўрмайсанми, бу қандай оппоқ, дўндиқча! Мана шу менинг бирдан-бир арзандам, – деди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Энг севикли, эрка ўғил ёки қиз. *Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ қўпориб, шу кенжа, арзандасига сарф қилиш учун уринар, бу қизни катта шавкат ва дабдаба билан узатишни орзу қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор кишининг ҳаммадан ортиқ кўрган суюкли кишиси, эркаси. *Гулнорга худо берди, у эрка-арзанда хотин бўлиб, эрига суялиб, кўнглига нима келса, шуни қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

АРЗАНДАИ-КИРОМАНДА [*ф.* арзанда + كرامند – очиқ кўнгил, олижаноб] Жуда ҳам арзанда. [*Шарофат*] *Биттаю битта арзандаи-кироманда қизи билан умри ўтиб кетганини сезмади ҳам.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

АРЗАЧИ с. *т.* **1** Одамларга ариза ёзиб беришни касб қилиб олган киши; аризанавис. *Шу яқинда, ўзи ўрдада турадиган бир арзачи бор эмиш.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Мансабдор шахсга ёки бирор идора, муассасага ариза берган, арз қилган шахс. *Золимлиги, порахўрлиги, арзачиларни қақшатганлиги туфайли халқда: «Бизнинг ҳоким – Фишмандир.. Пули йўққа душмандир!..» деб таърифланган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

АРЗГЎЙ [*ф.* عرضگوی – арз айтувчи] *эск.* Арз билан келган ёки мурожаат қилган киши. *Қабулхонада кутиб ўтираверив тоқати тоқ бўлган арзгўйлар раис олдига киришга интиладилар.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

АРЗ-ДОД, арзу дод Тўлиб тошган дардҳасрат ва ундан шикоят. *Камбағал ҳар ерда мушт ерди, четга қоқиларди, арзу додини ҳеч ким тингламасди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..арз-дод учун борғонларни отиб ташлаб, гуноҳсиз қонларни сув каби ичишни қўмсайсан.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

АРЗИГУДЕК *айн.* **арзийдиган 2**.

АРЗИГУЛИК *айн.* **арзийдиган 2**. *Арзигулик совға.*

АРЗИГУНДАЙ *айн.* **арзийдиган 2**.

АРЗИЙДИГАН 1 Арзимоқ фл.сфдш.

2 *сфт.* Мақтовга, диққат-эътиборга молик; лойиқ. *Мақтаса арзийдиган йигит. Ўрнак олса арзийдиган хўжалик.* ▬ *Кошки иззатга арзийдиган азиз меҳмон бўлса!* Ойбек, О. в. шабадалар.

АРЗИМАГАН Унча қиймати, аҳамияти бўлмаган; арзимас. *Арзимаган баҳона. Арзимаган гап. Арзимаган жанжал.* ▬ *Арзимаган нарсага овора бўлиб, ишдан қолибсиз-да, оқсоқол?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нега ўзингизни ерга урасиз? -Нега арзимаган бир одамга ўз ихтиёрингизни бериб қўясиз? – деди Саида Қаландаровга.* А. Қаҳҳор, Синчалак. [*Бой Ғофирга:*] *Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга чақиб, орани очиқ қилиб қўйсак, деган эдим.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

АРЗИМАС *айн.* **арзимаган**. *Арзимас баҳона. Арзимас сабаб. Арзимас гап.* ▬ *Шу арзимас хайр-саховатидан ўз қалбида мамнунлик, таскин сезиб роҳатланади.* Газетадан.

АРЗИМОҚ 1 Белгиланган ёки сўралган (олинган, сотилган) нархга лойиқ, мос бўлмоқ. *Бу нарса неча пулга арзийди?*

2 *кўчма* Қиймати ёки аҳамияти жиҳатидан тенг келмоқ, баравар бўлмоқ. *Ёлғиз ўғлингиз ўнта йигитга арзийдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал. [*Йўлчи*] *Эшикка чиқаркан, орқасидан чол сўзлаб қолди: -Ҳай, ўт йигит, ҳалиги сўзларинг олтинга арзийди, аммо ҳар кимга сўзлайверма!* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Лойиқ, муносиб бўлмоқ. *Уни мукофотласа арзийди.* ▬ [*Қози Қодирқулга:*] *Юзида оз-моз чиройи бўлгани билан ўзи таги паст. Сизнинг остонангизга сира арзимайди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Оқламоқ, зое кетмаслик. *Тер тўкканга арзимайдиган иш. Мен сизга ҳар қанча яхшилик қилсам арзийди.* ▬ *Ақлли кишиларнинг садағаси кетсанг ҳам арзийди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аскар болаларни кафтимизда кўтарсак арзийди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

Арзимайди «Раҳмат»га камтарлик билан қайтариладиган жавоб сўз. *Ёрдамларингиз учун катта раҳмат. – Арзимайди.*

АРЗИРЛИ *айн.* **арзийдиган 2**. *Арзирли совға. Мақтовга арзирли иш.* ▬ *Ўқиганингиз*

ушбу воқеаларда ўйлаб кўрса арзирли муаммолар бисёр. Газетадан.

АРЗНОМА *эск.* Илтимоснома; ариза. *Шу қизғин дамларда.. арзнома ёзиш, идорама-идора сарсон бўлиб юришга Ойдинойларни нимадир мажбур қилган.* Газетадан. *Бу — арзнома эмас, талаб бу, пўписа, айбнома.* С. Сиёев, Аваз.

АРЗОН [*ф.* ارزان – баҳоси паст, қадри кам] **1** Баҳоси, нархи юқори бўлмаган. *Арзон мол* ▬ *Қаранг, ҳаммаси арзон нарсалар.* С. Зуннунова, Олов.

2 Меъёрдагидан паст нарх, паст нархда. *Бизнинг Қаландарбой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

АРЗОН-ГАРОВ *рвш. с. т.* Асл қийматидан анча камига, арзимаган пулга, паст баҳо билан, текиндай. *Арзон-гаров сотиб олмоқ.*

АРЗОН-ГАРОН [арзон + *ф.* گران – қиммат, баҳоси баланд] *айн.* **арзон-гаров.**

АРЗОНЛАМОҚ *с. т.* Арзонлашмоқ.

АРЗОНЛАШМОҚ Арзон бўлмоқ, баҳоси, нархи пасаймоқ *Моллар анча арзонлашди. Механизация туфайли ҳар бир центнер пахта икки сўм арзонлашди.*

АРЗОНСИНМОҚ Асл баҳосидан, нархидан арзон сўрашяпти, деб билмоқ; олувчи айтган баҳони, нархни кам деб ҳисобламоқ.

АРЗОНЧИЛИК Нарх-навонинг арзон ҳолати, пайти; *зид.* **қимматчилик**.

АРЗОНҚЎЛ *с. т.* Озгина ҳақ бадалига ишлайдиган, меҳнати эвазига кам ҳақ оладиган. *Ҳозир олмалар пишган вақт бўлгани учун менга ўхшаш оштомоғига юрадиган арзонқўл кишиларни эшигидан қувламас экан.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

АРЗ-ҲОЛ, **арзи ҳол** *қ.* **арз** I.

АРИ Парда қанотли ҳашаротларнинг йиртқич ва чақадиган бир тури. *Сариқ ари. Тукли ари. Қизил ари. Қовоқ ари. Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда тол бўлмас.* Мақол. ▬ *Ари.. бешиктерватарни чақиб фалаж қилади.* «Фан ва турмуш».

АРИЗА [*а.* عرضه – арзнома; илтимоснома] Муайян муассаса ёки мансабдор шахс номига ёзилган илтимос, таклиф, шикоят мазмунидаги расмий ҳужжат. *Ариза бермоқ. Ариза ёзмоқ. Ариза ташламоқ.*

АРИЗАБОЗ Ариза ёзишга берилган шахс.

АРИЗАБОЗЛИК Ариза ёзишга берилиш, аризалар ёзиш билан машғуллик.

АРИЗАНАВИС *тар.* Одамларга қалам ҳақи бадалига ариза ёзиб берувчи шахс. *Маҳаммадражаб кейинги бир ҳафтани турли.. аризанавислардан йўл-йўриқ сўраш билан ўтказди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

АРИЗАЧИ 1 Ариза берувчи, ариза берган шахс. *Мингбоши шошиб бориб, меҳмонхона айвонига чиқди-да, ҳар вақт аризачиларни сўраб, айбдорларни тергов қиладиган ерига келиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *айн.* **аризанавис.**

3 *тар.* Фуқародан тушган ариза, илтимоснома, шикоятларни ўзидан юқори амалдорга маълум қилиб турувчи мансабдор шахс.

АРИЛЛАМОҚ 1 *с. т.* Бақириб йиғламоқ, ҳадеса йиғлайвермоқ, ар-ар қилмоқ (бола ҳақида).

2 *фольк.* Пишқирмоқ (от ҳақида). *Оғзини карракдай очган, ариллаган арғимоқ отларнинг ҳар қайсиси томдай келади.* «Авазхон».

АРИМОҚ Борлиги кетмоқ, йўқолмоқ (бор ҳолда давом этаётган нарсалар ҳақида). *Касали аримоқ.* ▬ *Машариф ака анча тузалиб, танидаги дард ариган бўлгани билан дилидаги дард аримаган эди.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар. *Ота, юмшоққина қилиб, қадр ариган хонадонни қирғоққа чиқиб қолган балиққа қиёслади.* «Ёшлик». *Кексалар бор хонадонлардан хайру баракот аримайди.* Газетадан.

АРИСТОКРАТ Аристократияга, оқсуякларга мансуб шахс; оқсуяк, аслзода.

АРИСТОКРАТИЗМ Аристократларга, оқсуякларга хос сифатлар, аристократик феъл-атвор, юриш-туриш.

АРИСТОКРАТИК 1 Аристократияга, киборларга, оқсуякларга оид. *Аристократик жамият.*

2 Аристократларга, оқсуякларга хос бўлган; назокатли. *Аристократик хулқ-атвор.*

3 Аристократиянинг ҳукмронлигига асосланган. *Аристократик республика. Аристократик идора усули.*

АРИСТОКРАТИЯ [*юн.* aristokratia – яхшилар ҳокимияти] **1** Иқтисодий ҳукмрон синф, зодагонларнинг сиёсий ҳокимияти, ҳукмронлиги.

2 Қулдорлик ва феодал давлатларда энг имтиёзли табақа (буржуа давлатида ҳам маълум имтиёзларни сақлаб қолган).

АРИСТОН [*нем.* Arrestant – қамоққа олинган киши] *с. т.* Қамоққа олинган, қамоқдаги киши; маҳбус, банди. *-Қўрқманг,*

уста, мен сиздан аристонларни қандай қочиртирганлигингизни суриштирмоқчи эмасман,— деди Тешабой шарақлаб кулиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

АРИТМИЯ [*юн.* arrythmia — маромнинг, ритмнинг бузилиши] *тиб.* Юрак уришидаги одатий ритмнинг, маромнинг бузилиши. *Мен, ўн йилдирки, каравотда шифтга тикилиб ётаман. Юрак касал — аритмия.* Газетадан.

АРИФМЕТИК Арифметикага оид. *Арифметик масала. Арифметик амаллар.*

АРИФМЕТИКА [*юн.* arithmetike — ҳисоб ҳақидаги фан < arithmos — сон] Математиканинг сонларнинг оддий хоссаларини ҳамда улар устида бажариладиган амалларни (қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлишни) ўрганадиган бўлими; ҳисоб. *Арифметиканинг тўрт амали.* ▬ *Ал-Форобий математикани арифметика, геометрия, оптика ва механикадан иборат деб қаради.* «Фан ва турмуш».

АРИФМОМЕТР [*юн.* arithmos — сон + metreo — ўлчайман] Арифметик амалларни механик равишда бажарадиган ихчам ҳисоблаш машинаси.

АРИХОНА 1 *с. т.* Ариси кўп бўлган, арилар ғужғон ўйнаган жой.

2 Асалариларни боқиш ва асал тўплаш учун махсус ясалган яшик, қути.

АРИЧИ *қ.* **асаларичи**.

АРИЧИЛИК *қ.* **асаларичилик.**

АРИШ I **Аримоқ** фл. ҳар. н. *Абдулвоҳид.. Аҳмаднинг фалокати ариши эҳтимоли борлиги ҳақида қисқагина сўзлади.* Ойбек, Нур қидириб.

АРИШ II Ғалла ўсимликларидан бири, қора буғдой ва унинг дони, ғалласи. *Ариш уни. Ариш нони. Ариш бошоқ чиқарди. Бир тонна ариш.*

АРИЯ [*итал.* aria — қўшиқ] Оркестр ёки бошқа мусиқа асбоблари жўрлигида бир киши ижро этадиган (айтадиган) вокал асар, ашула (кўпинча опера, оратория ва ш.к. нинг таркибий қисмини ташкил этади).

АРИҚ 1 Сунъий равишда ҳосил қилинган сув йўли, ўзани ва ундаги сув. *Бир одам ариқ қазийди, кўп одам сув ичади.* Мақол. *Отанг мироб бўлса ҳам, ариқни тозалаб сув ич.* Мақол.

Ариқ оқсоқол *тар.* Туркистонда 19-асрда қишлоқ мироби. *Бу киши* [*Мадамин*] *қишлоқнинг мироби бўлиб, кўпчилик бу одамни «Ариқ оқсоқол» дер эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Экин экиш ва суғориш учун экин майдонида тортилган махсус сув йўли, жўяк.

Ўқ ариқ Экин майдонида жўякларга сув тарқатиш учун олинган марказий ариқ.

АРИҚЧА 1 Кичкина ариқ, жилға(ча). *Саҳнга дид билан ранг-баранг гуллар экилибди, ариқчада ўрта бармоқдай сув эринчоқлик билан.. оқиб турибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *тех.* Турли деталларнинг ариқсимон ўйилган ери. *Поршень ҳалқасининг ариқчаси.*

АРК I [*ф.* ارک — ички қалъа] *тар.* Пойтахтдаги қаср; хон ёки амирнинг атрофи баланд девор билан ўралган қўрғон-саройи. *Фитначилар амир жўнаб кетган куннинг эртаси тунда аркка ҳужум қилди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек. *Арк ичи кимхоб ва зар чакмон кийган, кумуш камар боғлаган ва катта салла ўраганлар билан тўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

АРК II с. *т.* Арка.

АРКА [*лот.* arcus — ёй, ёйсимон эгик] **1** *архит.* Тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза, эшик, деразa ва ш.к.

2 Шундай дарвоза шаклидаги ҳашаматли иншоот. *Қўрғонга кираверишда баланд ёғоч арка бор. Аркага: «Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз» деб ёзилган.* З. Сотиев, Юрак сўзлари.

АРКОН [*а.* ارکان — «рукн»нинг кўплиги, яъни устунлар, асослар**]** *эск. кт.* Улуғ мартаба эгалари, катта амалдор, мансабдор, арбоблар. *Супага ўн чоғлиқ аркон чиққандан сўнг, хон ҳудайчига яна бир нарса деб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Аркони давлат Давлат арбоблари, юқори мартаба эгалари. **Аркони дин** Дин асослари **Аркони ҳарб** Қўшинларнинг бош штаби, ҳарбий қўмондонлик.

АРКОНИ(Й) Қовуннинг ширин бир нави. *..бозорга тушган қовунхўрлар бу лаззатли неъматларнинг умрвоқи, аркони каби номларини ҳамма вақт ҳам билавермайдилар.* «Фан ва турмуш».

АРКТИКА [*юн.* arktikos — шимолий] *(А-катта)* Ер шарининг шимолий қутб қисми.

АРМАН(И) 1 Арманистон Республикасининг туб (асосий) аҳолисини ташкил этувчи халқ (миллат)нинг номи.

2 Шу халққа (миллатга) мансуб (шахс, тил ва ш.к.). *Арман(и) аёл. Арман тили.*

АРМАН(И)ЛАР Арманистон Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

АРМАТУРА [*лот.* armatura – қурол-аслаҳа, қурол тури] *тех.* **1** Аппарат, машина, иншоот ва ш.к. нинг асосий қисмига кирмайдиган ёрдамчи қисмлари мажмуи. *Буғ қозонининг арматураси.*

2 Темирбетон иншоотларнинг пўлат чивиқлардан иборат каркаси, синчи, шунингдек, иншоотларни мустаҳкамлаш учун уларнинг ораларига қўйиладиган металл қисмлар мажмуи. *Шлюз деворлари арматураси.* ▬ *Кечаги катта котлован ўрнини.. арматура симлари қоплаган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

АРМАТУРАЧИ Арматура тайёрловчи ёки ўрнатувчи ишчи.

АРМИЯ [*лот.* armare – қуроллантирмоқ] **1** Давлатнинг барча қуролли кучлари мажмуи. *Республикамиз армияси.* ▬ *Урушнинг иккинчи йили отаси армияга кетди-ю, қўлида ҳунари йўқ она икки бола билан қолди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Ҳаракатдаги армия Армиянинг уруш вақтида фронтда бўлган қисмлари.

2 *айн.* **ҳаракатдаги армия** *Шу узилиб тушган иккита бармоқ туфайли у армиядан қолиб кетди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Биз ўстирган ўғиллар Армияга борурлар, Тикилиб келса душман, Жазосини берурлар.* «Қўшиқлар».

3 Қуруқликдаги қуролли кучлар.

4 Бир ёки бир неча қўшин турларининг бир неча корпус ёки дивизиядан ташкил топган, уруш ҳаракатларини олиб бориш учун белгиланган қўшилмаси. *Танк армияси.*

5 *кўчма* Умумий иш, умумий мақсад билан бирлашган кишилар. *Механизаторлар армияси.*

АРМОН [*ф.* ارمان – кучли истак, орзу] **1** Кўнгилга тугилган, лекин(ҳали)юзага чиқмаган, амалга ошмаган орзу-ният. *Шунингдек, минглаб ватандошларимиз умра амалларини бажариб келишяптики, бу илгари қанчадан-қанча юртдошларимизнинг армонлари эди.* Газетадан. *Шоир юрагида элнинг дарди, раиятнинг эртакка солиб қўмсаган тилаклари.. армонлари акс садо бермагайми, Аваз?* С. Сиёев, Аваз.

2 Кўнгилга тугилган орзу-ниятнинг рўёбга чиқмаслигидан афсус-надомат. *-Э, беармон одам бўларканми, Назар ака, – дея тасскин берган бўлдим. – Айтишларича, худоям Одам Атони тўкисроқ яратолмаганидан армонда экан.* М. М. Дўст, Лолазор.

Армон қилмоқ Амалга ошмаган орзу-ниятдан афсусланмоқ. *Эрта эккан хирмон қилур, кеч эккан армон қилур.* Мақол.

АРМУҒОН [*ф.* ارمغان – совға, туҳфа] *кт. назм.* Совға, тортиқ, туҳфа. *Бугуним яхши, аминманки, эртага ҳаёт менга ўз армуғонларидан яна қанчасини тайёрлаб турибди.* А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда. *Уч ўғлондир Андижон, Намангану Фарғона, Юртга айлар армуғон Миллион тонна дурдона.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

АРНА 1 Баъзи шеваларда (мас., Хоразм шевасида) – бош канал.

2 Баъзи шеваларда (мас. Жиззах шевасида) – кичик жар. *Арна келса ирғитди, Ўр келса ўрмалатди, Шундай Ҳаким йўл тортди.* «Алпомиш».

3 Шимолий ўзбек шеваларида (Қозоғистонда) – дарё ўзани, қуруқ ўзан.

АРО *юқ. усл.* **1** *айн.* **ора.** *Эрди бу сўзда Тўтию Булбул, Ки етишди ароға Қирғовул.* Нишотий, Қушлар мунозараси. *Манга қилди бори фикри хиёнат, Ародин кўтариб дину диёнат.* С. Қосимий, Садоқатнома. *Хирож тўлар эди Шош фуқароси, Чўзилди, узилмай жанглар ароси.* Шайхзода, Тошкентнома.

2 *кўм.* Ораси, орасида. *Оҳ уриб майдон аро Рустам каби солсам уриш.* «Нурали». *Лашкар аросида ўғлонни кўрдим.* «Нурали».

3 *кт.* Кўплик шаклидаги отларга қўшилиб, шу сўз билдирган нарсалар «ўртасида», «ўртасидаги» маъносини билдиради. *Республикалараро, давлатлараро, хўжаликлараро.*

АРОБА *эск. усл.* Арава. *..Отлар ҳуркуб, узуб, аробалар олуб қочуб, неча одамларни босиб ўлдурмадими?* Ҳамза.

АРОСАТ *с. т.* Арасот. *Маҳмудхонга бўлиб турур қиёмат, Алғов-далғов Оқтош шаҳри аросат.* «Нурали». *Товушқон туёқли, марал беллидир, Аросат кунида ажаб ҳоллидир.* «Маликаи айёр».

АРОҚ [*а.* عرق – тер] **1** *эск.* **тер.** *Тўкмаса деҳқонароқ, пойи бел, Емишининг фойдасин топмас эл.* Ҳ. Хоразмий, Гулшанул-асрор.

2 *айн.* **арақ.** *Ароқдан сақланинглар, чунки у барча ёмонликларнинг калитидир.* "Фан ва турмуш". *Кассир акамни қаранг, Ароқ ичиб маст келади.* «Қўшиқлар».

АРОҚХЎР *айн.* **арақхўр**. *Ароқхўр – ўзига қонхўр.* Мақол.

АРПА Ғалладошлар оиласига мансуб, дони овқатга ва ем сифатида ишлатиладиган бир ва кўп йиллик ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи. *Арпа эккан арпа олар, буғдой эккан буғдой олар.* Мақол. *Арпа қаерда пишса, чумчуқ ўша ерда.* Мақол. ▬ *Сополлитепаликлар, кўпинча, буғдой, арпа ва тариқдан тайёрланган атала истеъмол қилишгани аниқланди.* «Фан ва турмуш».

Арпангни хом ўрдими? Нима ёмонлик қилди? (ёмонлик қилмаганликни қайд этувчи ибора). *Алишер Навоийга қарши тилларингни мунча қайрай бердиларинг! У жаноб сенларнинг арпаларингни хом ўрдими?* Ойбек, Навоий.

АРПАБОДИЁН Уруғи, мевасида асосан эфир мойи, шунингдек, оқсил ва бошқа моддалар бўлган, зирадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. *Сўнгра арпабодиённи туйиб ёки кафт орасида уқалаб, димламага ва лағмон важусига солинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

АРПАПОЯ 1 Арпа экилган ер, майдон.

2 Арпа ўсимлигининг пояси.

АРПАҒОН Буғдойдошлар оиласига мансуб, чўлда ва адирларда ўсадиган паст бўйли бир йиллик ўсимликлар туркуми. [*Бобо*] *Қўйларнинг арпағон.. каби ўтларни талашиб-тортишиб ейишларини завқ қилиб кузатди.* С. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши.

АРРА [*ф.* ارّه – арра] Ёғоч, металл, тош ва ш. к. нарсаларни қирқиш, кесиш учун ишлатиладиган қирра тишли асбоб. *Камон арра. Лентасимон арра. Қил арра. Қўл арра. Арра тиши. Арра тортмоқ.* ▬ *Бошқа бир ҳовлида икки бола эринчоқлик билан арра тортади.* «Ёшлик».

Арра қилмоқ Тенг бўлишиб олмоқ. *Ортиқча.. сутдан келган даромад жиноятчилар ўртасида арра қилиб келинган.* Газетадан. **Аррани баравар тортмоқ** Бирор иш, меҳнатда тенг иштирок этмоқ. *Рўзғор аррасини баробар тортишиб келади.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

АРРАКАШ [*ф.* ارّه‌کش – арра тортувчи] Арралаш, арра тортиш билан шуғулланувчи шахс.

АРРАКАШЛИК Арракаш иши. *Қиши билан арракашлик қилиб, тўнгак кавлайдиган бўлиб турибмиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АРРАЛАМОҚ 1 Арра билан кесмоқ, бўлмоқ. *Ёғоч арраламоқ.*

2 *кўчма* Тинч қўймай, гап-сўз билан жонга тегмоқ. *Бу ёқда қариб қуйилмаган хотин арралаб турса..* М.М. Дўст, Лолазор.

АРРАЧИ с. *т.* Арракаш.

АРСЕНАЛ [*фр.* arsenal < *а.* دارالصناعه – ишхона, устахона] **1** Қурол-аслаҳа ясайдиган, тузатадиган, сақлайдиган жой; қурол-яроғ омбори.

2 Кўп сонли бирон нарса, катта заҳира.

АРСЛОН 1 Мушуксимонлар оиласига мансуб баҳайбат йиртқич сутэмизувчи ҳайвон; шер. *Йигит сўзидан, арслон изидан (қайтмас).* Мақол. *Арслоннинг ўлиги, сичқоннинг тириги.* Мақол.

2 *кўчма* Баҳодир, забардаст, довюрак одам ҳақида (шу жониворга нисбат бериладди). *Машъум Калон минорасидан ўлимга итарилган эл арслонларининг наъраси қалъа осмонини ҳамон ларзага келтирмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Арслон (эркаклар исми).

АРТЕЗИАН [*фр.* artezian – Франциядаги Артуа (*лот.* Artesium) вилояти номидан]: **артезиан сувлари** Босим таъсирида бўлган ер ости сувлари. Улар сув ўтказмайдиган қатламлар оралиғида ҳосил бўлади. Бурғулаб очилганда (бурғу қудуқлардан) отилиб чиқади. **Артезиан қудуқ** Бурғулаб кавланган теран қудуқ; бурғу қудуқ. *Ойқиз бу ерларда артезиан қудуқлари қазилаётганини яхши билади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

АРТЕЛЬ [*фр.* artel < *итал.* artiere – ҳунарманд] Фуқароларнинг, касб-ҳунар эгаларининг биргалашиб, жамоа бўлиб ишлаш учун тузилган уюшмаси шаклларидан бири.

АРТЕРИОСКЛЕРОЗ [артерия + *юн.* sclerosis – қотиб қолиш] *тиб.* Артериялар деворларининг қалинлашуви ва зичлашуви натижасида юз берадиган сурункали касаллик.

АРТЕРИЯ [*юн.* arteria – нафас йўли; aertereo – сақламоқ] *анат.* Кислородга тўйинган қонни юракдан аъзолар ва тўқималарга элтувчи томирлар. *Ўпка артерияси. Кўз артерияси. Артерия босими.*

Уйқу артерияси Бўйин бўйлаб кетган катта қўш артерия.

АРТИЗАН *с.т. айн.* **артезиан.** *Улар қудуқдан суғоради, энди бизга атаганиям бордир. Қани у, артизан деган матоҳинг, ўртоқ Махсумов.* М.М. Дўст, Лолазор.

АРТИКЛЬ [*лот.* articulus – нутқ қисми, бўлаги] *тлш.* Баъзи тилларда отнинг олдидан қўшилиб, унга аниқлик ёки ноаниқлик ва б. маъноларни бағишлайдиган кўрсаткич. *Аниқлик артикли.*

АРТИКУЛ [*лот.* articulus – бўлим, қисм] **1** Баъзи қонун ва расмий ҳужжатларда махсус модда.

2 Маҳсулот, товар тури, шунингдек, унинг рақамли ёки ҳарфий ифодаси.

АРТИКУЛЯЦИЯ [*лот.* articulatio < articulare – аниқ талаффуз қилмоқ] **1** *тлш.* Нутқ аъзоларининг (лаб, тил ва ш.к. нинг) товуш ҳосил қилишдаги ҳаракат-фаолияти ва ҳолати.

2 Мусиқада: асарни созда ёки овоз билан ижро этиш усули.

АРТИЛЛЕРИЯ [*фр.* artillere – тайёрламоқ, шайламоқ] **1** Тўп, миномёт ва ш.к. отиш қуроллари мажмуи. *Зенит артиллерияси. Ўзиюрар артиллерия.*

2 Шундай қуроллар билан қуролланган қўшин тури. *Шу чоғ артиллерия қисмлари оғир тўплари билан ўта бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Тўп-замбараклар, уларнинг тузилиши ва урушда қўлланиши ҳақидаги фан.

АРТИЛЛЕРИЯЧИ Артиллерияда хизмат қилувчи аскар, офицер.

АРТИНМОҚ Артмоқ 1 фл. ўзл. н. Бадандаги ёки унинг бирор қисмидаги нам, ҳўлни сочиқ, латта билан ишқаб кетказмоқ. *Шошилмай, ваннахонага кириб, юз-қўлини чайиб, артиниб, шундан кейингина ичкарига ўтди.* М.М.Дўст, Лолазор.

2 *айн.* **артмоқ 3**.

АРТИСТ [*лот.* ars, artis – касб, ҳунар; санъат] **1** Санъат асарларини томошабинлар учун намойиш қилувчи ижрочи. *Опера артисти. Эстрада артисти.* ▬ *Концерт тугагач, Элмурод артистларни ўз ертўласига таклиф этди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма с. т.* Бирор иш-ҳаракат, ўйин ва ш.к. ни артист каби ижро этувчи, унинг ҳадисини олган, артистга хос хатти-ҳаракат, қилиқларга эга шахс.

АРТИСТКА Артист аёл.

АРТИСТЛИК 1 Артист касби. *Мурзин.. ўзининг артистлик ҳам қилганини Элмурод билан биринчи марта қўл бериб кўришаётганда айтган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Артистга хос хатти-ҳаракат, қилиқ (*қ.* **артист 2**).

АРТМОҚ 1 Нарса юзасига ўрнашган (илашган, юққан) кир, чанг, сув ва б.ни ишқаб кетказмоқ. *Хонани супуриб, ҳўл латтада артиб тозалади.* «Ёшлик». *..сапсариқ олмалардан йирикроғини танлаб, белбоғ учига артган бўлди-да, очкўзлик билан карсиллатиб тишлади.* «Ёшлик». *..беихтиёр думалаб тушган ёшни артиш учун бошини эгди.* С. Зуннунова, Олов. *Ошхонада кўрдим бир бадмаст сатанг Қўл, оғзин артганин нон билан қаранг.* Воқиф. *..чақалоқнинг териси жуда нозик бўлади. Шунинг учун чўмилтиргандан сўнг артманг, сочиқни баданига аста-аста босиб олинг.* «Саодат».

2 *шв.* Пўстини, пўчоғини олмоқ; арч(и)моқ. *Сабзи артмоқ. Картошка артмоқ.*

3 Ҳўл сочиқ, латта билан баданни ишқаламоқ (баданни чиниқтириш учун).

АРТРИТ [*юн.* arthron – бўғим + it(is) – яллиғланишни ифода этувчи қўшимча] Бўғимларнинг яллиғланиши.

АРТРОЛОГИЯ [*юн.* arthro(n) – бўғим + logos – таълимот; фан] Бўғим ва унинг касалликларини ўрганадиган фан.

АРУЗ [*а.* عروض – шеър ўлчовлари, вазнларига солиштириб ўлчаш] *ад.* Шеър тузилишида узун ва қисқа бўғинларнинг маълум тартибда алмашиб келишига асосланган ва Шарқ назмида, хусусан, ўзбек мумтоз назмида кенг қўлланган шеърий ўлчов, шеър тизими. *Аруз вазни. Аруз вазнида ёзилган шеър.*

2 Шеър вазнлари, ўлчовлари ҳақидаги илм, фан. *Илми арузда сендек устоз оз қолди, Воқифга чин мураббий, пири гарон, Чархий.* Воқиф.

АРФА [*нем.* Harfe < *итал.* arpa] Учбурчак шаклидаги қадимий кўп торли тирнама мусиқа асбоби.

АРФАЧИ Арфа чалувчи созанда.

АРХАИЗМ [*юн.* archaios – илк, қадимги] *тлш.* Маълум давр учун эскирган, истеъмолдан чиқа бошлаган тил бирлиги – сўз, ибора, грамматик шакл. Мас., *сурур* (севинч), *ҳаён* (фойда) – луғавий архаизмлар.

АРХАИК Эскирган, истеъмолдан қолган. *Архаик сўз. Архаик ибора.*

АРХАР Жуфт туёқлилар туркумига мансуб ёввойи қўйларнинг умумий номи; ал-

қор, тоғ қўйи. *Меҳмон ўз насибаси билан келади, хўжайин. Бугун эрталаб битта архар отиб эдим!* С. Анорбоев, Оқсой. *Баланд тоғ яйловларида яшайдиган архарларнинг ғалати бир одати бор.* «Фан ва турмуш».

АРХЕОЛОГ Археология олими, мутахассиси. *Ҳазорасп шаҳри харобаларини тадқиқ этишни.. устод археолог Яҳё Ғуломов бошлаб берди.* «Фан ва турмуш».

АРХЕОЛОГИК Археологияга оид. *Археологик экспедиция. Археологик қазилмалар.*

АРХЕОЛОГИЯ [*юн.* archaios – қадимги + logos – таълимот] Қадимий моддий маданият ёдгорликлари асосида халқларнинг тарихий ўтмишини, турмуши ва маданиятини ўрганувчи фан. *Археология музейи.*

АРХИВ [*лот.* archivum ва *юн.* archeion – муассаса] **1** Эски ҳужжатлар, ёзма ва график ёдгорликларни сақлаш, системалаштириш ва тавсифлаш билан шуғулланадиган махсус муассаса. *Давлат архиви.*

2 Муассасанинг эски ҳужжатлар, тугалланган ишлар ва ш.к. сақланадиган бўлими. *Институт архиви.*

3 Бирор муассаса ёки шахснинг иш фаолиятига алоқадор бўлган хатлар, қўлёзмалар, фотосуратлар ва ш.к. йиғиндиси, мажмуи. *Ёзувчининг шахсий архиви.*

АРХИВАРИУС *айн.* **архивчи**.

АРХИВЧИ Архив ходими, архивда ишловчи киши.

АРХИВШУНОС Архив ишлари бўйича мутахассис олим.

АРХИВШУНОСЛИК Қўлёзмаларни, ҳужжатларни тўплаш, тартибга солиш ва сақлаш, шунингдек, архив иши тарихини ўрганиш, ташкил қилиш каби масалалар билан шуғулланувчи илмий соҳа.

АРХИЕПИСКОП [*юн.* archi – ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «юқори», «юқори даража», «катта» маъноларини билдиради: archiepiskopos – катта епископ] Епископдан юқори унвон ва шу унвонга эга бўлган руҳоний.

АРХИЕРЕЙ [*юн.* archiereus – биринчи, катта руҳоний] Христиан черковларида: юқори даражали руҳонийлар (епископ, архиепископ ва митрополит)нинг умумий унвони.

АРХИМАНДРИТ [*юн.* archimandrites] Эркаклар монастири бошлиғининг ва монахларнинг олий унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

АРХИПЕЛАГ [*юн.* arche – ибтидо; бош + pelagos – денгиз] Бир-бирига яқин турган денгиз ороллари гуруҳи, ороллар тўдаси.

АРХИТЕКТОНИК Архитектоникага оид. *Архитектоник формалар.*

АРХИТЕКТОНИКА [*юн.* architektonike (techne) – қурилиш (санъати)] *снт., архит.* Санъатда, хусусан архитектурада бир бутуннинг айрим қисмлари ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик, мослик; бадиий элементларнинг ўзаро монандлиги, мослашуви.

АРХИТЕКТОР [*юн.* architekton – архитектура мутахассиси] Архитектура мутахассиси, бино ва иншоотларни лойиҳаловчи ёки қурувчи мутахассис; меъмор.

АРХИТЕКТОРЛИК Архитектор касби.

АРХИТЕКТУРА [*лот.* architectura < *юн.* architektonike] Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати; меъморлик. *Самарқанд архитектураси. Замонавий архитектура.* ▬ *Шаҳар марказида улуғвор архитектура ансамбллари барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

АРЧА 1 Сарвдошлар оиласига мансуб, доим яшил бута ёки дарахтлар туркуми. *Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол.

2 *айн.* **қорақарағай.**

3 Шу дарахтнинг янги йил кунларида кесиб олиб безатилган шохи ёки тупи. *Арча ясатмоқ.*

Арча байрами Безатилган арча атрофида ўтказиладиган болалар байрами. *Қишлоқ мактабида ва уйларда арча байрами ўтказишни одат қилган киши ҳам шу эди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

АРЧАЗОР Нуқул арча билан банд ер, майдон. *Кўксой ўзанидан кўтарилаётган қуюқ туман.. арчазор устига салобат билан бостириб бормоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

АРЧ(И)МОҚ 1 Пўстини олмоқ. *Жувон Сиддиқжондан пичоқ сўраб олиб, иккита бодринг арчиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Севаргул қутидаги нақш олмалардан бирини олиб, пўстини арчмай, карсиллатиб тишлади.* «Ёшлик».

2 Пўстлоғини олмоқ, шилмоқ. *Терак пўстлоғини арчимоқ.*

АРШ I [*а.* عرش – тахт; шийпон] **1** Осмоннинг энг юқори қавати, юқориси.

2 *маж.* Энг юқори жой. *Саҳарлар сийнадин оҳу фиғоним аршга чиққанда..* Зебинисо.

Арши аъло 1) энг юқори арш. *Кўз юмиб очгунча ер ютиб кетдими, ё арши аълога ўтиб кетдими?* М. Қўшмоқов, Али Қамбар; 2) *маж.* юксак жой, осмон, фалак. *Ёғилмас ҳеч чалпак сабабсиз арши аълодан.* Воқиф. **Арши аълога кўтармоқ** Кўкка кўтармоқ, юқори тутмоқ. *Бир вақтлар унинг олдида ўзини арши аълога кўтарган Жамол Каримий Улфат энди ўзининг шеърларини бериб, унинг фикрини сўрар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

АРШ II: **арш қилмоқ** *с. т.* Кайф-сафо қилмоқ, айш-ишрат қилмоқ. *Аввалгидан кўра каттароқ арш қилиб юрибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

АРШИН 1 Метрик система жорий қилинганга қадар қўлланган узунлик ўлчов бирлиги (0,71 метрга тенг).

2 Шу узунликдаги ўлчов асбоби; газ, газчўп.

Ўз аршини билан ўлчамоқ Ўз нуқтаи назари, ўз ўлчови билан баҳоламоқ. *Ҳар ҳолда, кимки ким ҳақида ёзмасин, ўша одамнинг ўзига ўхшашини хоҳлайди, бошқача айтганда, ўз аршини билан ўлчайди.* М.М.Дўст, Лолазор.

АРЬЕРГАРД [*фр.* arriere – орқадаги + garde – соқчи, қўриқчи] Ҳарбий юриш, ҳужум ёки чекиниш вақтида асосий кучларнинг кетидан борувчи ва уларни душманнинг орқадан келиб ҳужум қилишидан сақловчи аскарий қўшилма, қисм. *Учинчи октябрь куни кечаси душман марказ группасининг арьергард қисмлари Чайка дарёси бўйига чиқди..* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АРҚИРАМОҚ *фольк.* Қудратли товуш чиқармоқ, наъра тортмоқ, пишқирмоқ. *Арқираган эрдай бўлиб, борди девларнинг устига.* «Маликаи айёр». *Арқираган шердай бўлиб.. от қўй арабнинг устига.* «Юнус пари».

АРҚОН Зиғир, каноп, наша пояси толаларидан, ипдан ёки жундан эшиб тайёрланган, боғлаш учун ишлатиладиган буюм; арғамчи. *Қил арқон. Жун арқон. Каноп арқон. Илон чаққан ола арқондан қўрқади.* Мақол. ▬ *Матпано шуни ўйлаб, арқонни омоч дастасига чирмади.* С. Сиёев, Аваз.

Арқон солмоқ *этн.* Янги келаётган келинчак йўлини арқон билан тўсмоқ (келин олиб кетаётганлардан пул, рўмол ва ш.к. лар олиш мақсадида). *«Арава пойга»нинг гумбури, аравакашларнинг қийқириғи, аёлларнинг «ёр-ёри» билан тўй карвони бораркан, қандайдир болалар, ўспиринлар югуриб чиқиб, йўлга арқон солдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бўйнига арқон солгандай** *айн.* **бўйнидан бойлагандай.** *қ.* **бўйин. Арқонни узун ташламоқ** Бировнинг ноўрин, ножўя хатти-ҳаракати учун танбеҳ беришда, қўлга олишда шошмай, «ўзига қўйиб бериб» иш тутмоқ. **Арқонини устига ташлаб юбормоқ** Сафдан чиқармоқ, ҳайдаб юбормоқ. *Ячейка унинг арқонини устига ташлаб юборган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

АРҚОНЛАМОҚ Ўтлаш учун узун арқон билан қозиқ ёки бошқа нарсага боғлаб қўймоқ (уй ҳайвонларини). *Отни бедапояга арқонламоқ.* ▬ *Бир деҳқон сигирини ёп-зовур четига арқонлаб қўйган экан, илон чақиб ўлибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

АРҚОҚ *тўқм.* Газламанинг ўриши билан кўндалангига кесишувчи иплари. *Ўриш-арқоғи мустаҳкам мато аъло тўқилгуси.* Воқиф.

АРҒАМЧИ *шв.* Арқон. *Арғамчига қил қувват.* Мақол. ▬ *Кал ўроғи билан арғамчисини бир кўкатнинг тагига беркитибдида, товушини чиқармай ётаверибди.* «Зумрад ва Қиммат».

АРҒИМЧОҚ 1 Дарахтнинг шохига ёки иморат ёғочига икки учини боғлаб осилган арқон; ҳайинчак. *Арғимчоқ солмоқ. Арғимчоқ учмоқ.*

2 Умуман, шундай учиб ўйнаш учун ишланган мослама, қурилма. *..арғимчоқларни тўла таъмирдан чиқариб, болаларга ҳадя этишди.* Газетадан.

АРҒУВОН [*ф.* ارغوان] **1** Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган, баҳорда очиладиган қирмизи гулли бир дарахт (бурчоқдошлар оиласига мансуб дарахтлар туркуми). *Ибодилла.. отни бино олдидаги қатор арғувон дарахтларининг бирига боғлаб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Шу дарахтнинг гулига ўхшаш, қирмизи ранг. *Арғувон юз. Арғувон шафақ.* ▬ *Юзларинг олмадек ёнар, ғунчаи арғувонмусан.* Машраб.

АРҒУВОНИЙ Арғувон гули рангли**.** *Қуйди уфқнинг пиёласига Арғувоний бодасини шом.* «Ёшлик».

АРҒУМОҚ, арғумоқ от Зотли чопқир отларга берилган умумий ном. *..бахмал ёпқичли арғумоқлар кўкка сапчийди.* С. Сиёев, Аваз. *Остимда ўйнайди арғумоқ отим.* «Маликаи айёр».

АСАБ [*а.* عصب — нерв; пай, томир] **1** *анат. физиол.* Бош ва орқа миядан барча аъзоларга тарқалган ва уларнинг фаолиятини бошқариб турадиган жуда ингичка нерв томирлари тизими ва шу томирларнинг ҳар бири. *Ўзи ёш, асаблари бутун.* С. Зуннунова, Олов.

2 Организм фаолияти ва инсон хатти-ҳаракатларини ўз ичига олган шундай тизимлар мажмуи.

3 Шу тизимлар мажмуининг ҳолати. *Бобошнинг таранг асаблари бўшашиб, енгил тортди-да..* А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат. *Гўзал манзара руҳингизни бардам, асабларингизни осойишта қилади.* «Саодат».

4 Асабий ҳолат. *Адолат асабдан титраб, бошини ушлаб, ўтириб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Асабига тегмоқ Асабини қўзғатмоқ, ғижинтирмоқ, жиғига тегмоқ. *У Карим билан Меҳрини мақтаб, Қодировнинг асабига текканини сезиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Асаби бузилмоқ** Кайфияти ёмон томонга ўзгармоқ. *Бўлар-бўлмасга асабинг бузилмасин.*

АСАББОЗЛИК Асаб билан ўйнашиш. *Э, каттаконинг билан қўшмозор бўл, деб ўйлади Яхшибоев, бунақа асаббозликда соғайиб бўладими.* М.М.Дўст, Лолазор.

АСАБИЙ 1 Салга асабийланаверадиган, бўлар-бўлмасга қизишиб, тутақиб кетадиган; зардаси тез, жиззаки. *Асабий киши. Асабий бола.* ▬ *Отам асабий одам эди. Шундай бўлса ҳам, мени қаттиқ урмаган ва ёмон.. сўкмаган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Асабларнинг қўзғалиши билан боғлиқ. *Асабий ҳолат. Асабий товуш.* ▬ *-Бегонадан ҳам баттарсиз! — қизишиб кетган Холисанинг лаблари асабий титради.* С. Нуров, Нарвон. *Юзини асабий тимдалаётган онасининг аҳволига ачинибми, аёл жаҳлдан тушди.* «Ёшлик».

АСАБИЙЛАНМОҚ *айн.* **асабийлашмоқ**. *-Нима қилай, қўлимдан келган бутун яхшиликни қилиб кўрдим, — чой хўплади Маҳмудов ва асабийланиб, титраб, ғазаб билан сўзида давом этди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит.

АСАБИЙЛАШМОҚ Асаби қўзғамоқ, асабий ҳолатли бўлмоқ. *Юсуфбек ҳожи юрт бесаранжомлиги ва ўғил қайғуси билан асабийлашган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У нимадандир асабийлашиб, тез-тез қошини чимирар, йиғинга тезроқ якун ясашга ошиқар эди.* Н. Аминов. Қаҳқаҳа.

АСАБИЙЛИК Асабий ҳолат. *Элбек ўз кабинетига қайтгандан кейин асабийлик билан нари-бери юриб, узоқ ўйлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

АСАБИЯТ 1 *айн.* **асаб.** *Унинг асабиятга тегувчи.. сўзлари ҳар куни Саидийнинг еганини заҳар-заққумга айлантирар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Асабий ҳолат; асабийлик. [*Ҳакимбойваччанинг*] *Ранги ўчган.. ҳаракатларида қўрқув ва асабият.. сезилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

АСАД [*а.* اسد — арслон, шер] **1** (А — *катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Саратон ва Сунбула буржлари ўртасида жойлашган (*қ.* **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида бешинчи ойнинг арабча номи (22 июль — 21 август оралиғига тўғри келади). *Кекса пахтакорларимиз «асад — ғўзани ясат» дейдилар. Саратонда сув қўй, Асадда тинч қўй.* Мақол.

3 Асад (эркаклар исми).

АСАКА (А — катта ҳарф билан) Жой номи.

Асакаси кетмайди Кам бўлиб қолмайди. *Шу ердан жой ажратилса, кимнинг асакаси кетибди..* Газетадан.

АСАЛ [*а.* عسل] **1** Ўсимликлар гулидаги шира (нектар)нинг ишчи асаларилар организмида қайта ишланишидан ҳосил бўладиган ширин, суюқ озиқ маҳсулоти. *Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал тотганинг.* Мақол. ▬ *..кунига уч маҳал бир стаканига бир ош қошиқдан асал аралаштириб ичган маъқул.* «Саодат».

2 *кўчма* Жуда ширин нарса ҳақида. *Куз ойлари бошланишида бу ерда ҳовли атрофидаги етинқираган мевалар, сўридаги ҳусайни узумлардан асал томиб туради.* Туйғун, Дўстлик севинчлари. *Ҳа, ўзимизникидан: Қорабулоқнинг.. сувини ичади-ю, асал бўлиб кетмайдими?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Асал (хотин-қизлар исми).

АСАЛАРИ Ўсимликлар нектарини йиғиб, асалга айлантирувчи ари. *Асалари ўзининг ҳалокати билан атроф муҳит зарарланганлиги ҳақида ташвишли хабар беради.* «Фан ва турмуш».

АСАЛАРИЧИ Асал олиш учун асалари урчитиш, уни парвариш қилиш билан шуғулланувчи шахс; асаларичилик мутахассиси.

АСАЛАРИЧИЛИК Қишлоқ хўжалигининг асал олиш учун асалари урчитиш ва уни парвариш қилиш билан шуғулланувчи тармоғи. *Янтоқ қишлоқ хўжалигида ем-хашак сифатида ишлатилиши билан бирга асаларичиликда ҳам асқатади.* «Фан ва турмуш».

АСАР [*а.* اثر – аломат, белги, нишон] **1** Бирор нарсадан қолган ёки ундан дарак берувчи белги. *..танада хасталик, шикастланиш ёки зарарланиш белгиларидан асар ҳам йўқ эди.* Газетадан. *Илгарилари анҳорларни тўлдириб оққан зилол сувлардан бугун асар ҳам йўқ.* Газетадан.

2 Киши ёки нарса ҳолати, фаолиятини ўзгартирувчи ташқи омил; таъсир. *Асари тегмоқ. Асари урмоқ.*

Асар қилмоқ 1) таъсирини ўтказмоқ, таъсир қилмоқ. *Дори асар қилмади.* ▬ [*Кумуш:*] *..айниқса мусофирчилигим ёмон асар қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Отнинг ориқлиги асар қилиб, ғадир-будур ерга бориб, суруниб йиқилди.* "Гўрўғлининг туғилиши"; 2) *кўчма* қаттиқ тегмоқ; нашъа қилмоқ. *Абдулазиз баққолга қайнисининг ундан ҳазар қилгандай, "баққол" деб сансираб гапириши қаттиқ асар қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ижодий меҳнат маҳсули. *Адабий асар. Босма асар. Илмий асар. Саҳна асари. Мусиқа асари. Танланган асарлар тўплами. Асар ёзмоқ. Асар яратмоқ.* ▬ *Отажон Ҳошимовнинг кўп асарлари, суд ишига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, йўқотилди.* «Фан ва турмуш». *Рассом 50 йиллик ижоди давомида кўплаб графика асарлари яратди.* Газетадан.

АСБЕСТ [*лот.* asbestos – ўчмайдиган, емирилмайдиган] Ўтга чидамли, кислота ва ишқор таъсир қилмайдиган, иссиқлик ва электрни ўтказмайдиган толали минерал; тошпахта.

АСБОБ [*а.* اسباب – сабаблар] Умуман, фаолиятда ишга солинадиган, фаолият учун хизмат қиладиган нарсалар: қурол-яроғ, уй-рўзғор буюмлари ва б. *Уруш асбоблари. Қишлоқ хўжалиги асбоблари. Дурадгорлик асбоблари. Чолғу асбоблари. Жарроҳлик асбоблари, Косибчилик асбоблари. Иситиш асбоблари.*

АСБОБ-АНЖОМ [асбоб + *ф.* انجام – охир, оқибат; ижро] Асбоб ва анжомлар мажмуи. *Унинг ўз таърифича, бу сўзлар илгари бизнинг ҳаётимизда мутлақо бўлмай, эндигина оммалашаётган фанлар ва техника қуроллари, буюм ва асбоб-анжомларнинг «ўзбекча атамаси» эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АСБОБСОЗЛИК Турли асбоблар ишлаб чиқариш, саноатнинг шу иш билан шуғулланувчи тармоғи. *Асбобсозлик заводи. Асбобсозликни ривожлантирмоқ.*

АСБОБ-УСКУНА Асбоб ва ускуналар мажмуи. *Завод асбоб-ускуналари.*

АСЕПТИКА [*юн.* а – инкор қўшимчаси + septikos – йирингли**]** Йирингли жароҳатларга инфекция туширмасликка қаратилган чора-тадбирлар тизими.

АСИЛ [*а.* اصيل – наслли, зотли] **1** Аъло сифатли, энг яхши; тоза, соф (қалбаки, паст эмас). *Асил мол. Асил шойи. Асил буюм. Асил айнимас, айниса ҳам чиримас.* Мақол. ▬ *Оёққа чулғов қилсанг ҳам, асил ипак бўз бўлмас, деб шуни айтади.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Кеп қолинг, лалми қовун, мармар тарвуз.. сабзининг асили.* Газетадан.

Асил тош Қимматбаҳо тош (мас., лаъл, зумрад, бриллиант).

2 *кўчма* Яхши хислатларга, фазилатларга эга бўлган; олижаноб, бебаҳо; соф, пок. *Асил одам. Асил фарзанд.* ▬ [*Комилов Қодирга:*] *Яна бўрк ол десам, бош олиб юрма! Дадавой ака каби одамлар бизга керакли одамлар. Хатолари, нуқсонлари кўп бўлса ҳам, юраги асил кўринади.* Уйғун, Навбаҳор.

3 Асил (эркаклар исми).

АСИЛЗОДА Феодал ва буржуа-дворян жамиятида: юқори табақали зотларга мансуб шахс; оқсуяк.

АСИММЕТРИК Симметрик бўлмаган, симметриясиз; *зид.* **симметрик.**

АСИММЕТРИЯ [*юн.* asymmetria – ўлчови бир хил эмаслик] Симметриянинг йўқлиги ёки бузилганлиги; симметриясизлик; *зид.* **симметрия.**

АСИР [*а.* اسير – тутқун, банди; мафтун, шайдо] **1** Уруш вақтида душман қўлига тушиб, озодликдан маҳрум бўлган шахс; банди. *Асир олмоқ. Асир тушмоқ. Асирларни алмашмоқ.* ▬ *Турдиев асирни тўғри батальон штабига олиб жўнади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *-Қўрбоши қани? – деб сўради Ботирали ҳамон қўл кўтариб турган асирлардан.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тўпхона қурилишида, биз билан бирга, асир тушган австралиялик солдатлар ҳам ишларди.* А. Толибов, Ҳақиқат енгди.

2 *кўчма* Тутқун, банди ҳолатида яшовчи шахс. *Тўрт девор асири бўлиб ўтирган аёл-*

лар бундай пайтларда каттакон боғда қафасдан чиққан қуш сингари яйрар. Х. Аҳророва, Орифнинг давлати.

3 *кўчма* Бирор кимса ёки нарсага ўзини бутунлай топширган, унинг «қули» ҳолатидаги шахс. *Мана шу кундан бошлаб Йўлчи шу қизнинг асири, мафтуни бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Асир қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) душманни қўлга туширмоқ, асир олмоқ; 2) *кўчма* ўзига тортмоқ, жалб этмоқ, мафтун, шайдо қилмоқ. *У [Ҳаловат] хаёл суриб қолди, эҳ, хаёллар.. сиз кишини асир этишга нақадар устасиз.* Н. Орифжонов, Ҳаловат.

АСИРА Асир аёл. *Ҳасан ота ўлгач, Сожида чин етимлик гирдобида асира бўлди.* П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

АСИРЛИК Асир ҳолат. *Асирлик даҳшатли ўлимдан ҳам кучлироқ эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АСКАР [*а.* عسكر – лашкар, қўшин] **1** Ҳарбий хизматдаги шахс. *..бир гуруҳ ота-оналар Қашқадарё вилоятидаги аскарларнинг ҳаёти билан танишиш мақсадида келдилар.* Газетадан.

2 Давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки уларнинг бир қисми; қўшин, армия.

Отлиқ аскар *тар.* Иккинчи жаҳон урушидан олдин от билан хизмат қилувчи аскар, қўшин. *Қоронғида отлиқ аскарларнинг қанчалигини билмаган эканман..* Ғайратий, Унутилмас кунлар. **Қизил аскар** *тар.* Совет армиясининг ва унга мансуб жангчининг урушдан олдинги номи.

АСКАРБОШИ Катта аскарий қисм бошлиғи, саркарда. *Остонақул додхоҳ ва аскарбошилар қиличларини пешоналарига тўғрилаб таъзим қилдилар.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

АСКАРИЙ Аскарга, қўшинга оид, ҳарбий. *Аскарий қисм. Аскарий қўшилмалар.* ▬ *Шундай қилиб, ёз ҳам ўтди. Ниҳоят, Аҳмаджон аскарий хизматга чақирилди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

АСКАРЛИК Ҳарбий хизмат, аскар хизмати. *Аскарликка олмоқ. Аскарликка чақирмоқ.* ▬ *Аниқ билган одамларнинг айтишига қараганда, Мадрайим аскарликка ўзи ариза берган ва ҳатто бунинг кетидан хийла овора бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улар аскарликка от тайёрлаши керак экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

АСКАРЧА *рвш.* Ҳарбийларча, ҳарбийчасига. *Аскарча юриш.*

АСКЕТ [*юн.* asketes – машқ қилувчи; зоҳид] Аскетизм тарафдори, тарки дунё қилган киши; зоҳид.

АСКЕТИЗМ 1 Ҳамма дунёвий нарсалардан воз кечишни, тарки дунё қилишни, зоҳидликни тарғиб қилувчи диний-ахлоқий назария.

2 Эҳтиёжларни қондиришдан, ҳаёт лаззатларидан, ҳамма дунёвий ишлардан, бахт-саодатдан воз кечиш, тарки дунё қилиш; зоҳидлик, гўшанишинлик.

АСКИЯ [*а.* اذكيا (*бирл.* ذكى) – зийраклар, закийлар] **1** Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри бўлиб, унда сўз ўйинига, қочириқларга асосланган ҳолда икки ёки ундан ортиқ киши ёки тарафлар мусобақалашади. Аския, одатда, тўй-томоша, сайл, зиёфат каби йиғинларда ўтказилади. *Аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Латифа, лоф, аския, топишмоқ ва мақол жанрлари янги воқеликни ўзига хос ихчам шаклда акс эттиради.* «ЎТА».

Аския айтишмоқ Шундай мусобақада (аскияда) тарафкаш сифатида қатнашмоқ. **Аския қилмоқ** 1) *айн.* **аския айтишмоқ;** 2) сўз ўйини, қочириқлар билан масхара, майна қилмоқ.

2 с. *т.* Аскиябоз, аскиячи лақаби.

АСКИЯБОЗ Аскияга уста, аския айтишни яхши кўрадиган ва айтадиган одам. *Аскиябоз ва масхарабозлар тўй маъракасига жон киргизиб турди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

АСКИЯБОЗЛИК Аския айтишиш. *Мулла Наби.. чапани йигитлар билан чойхонадан чойхонага юриб, аскиябозлик, улфатчилик билан умр кечира бошлади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *..ҳазил-ҳузул, кулги, ана аскиябозлигу мана аскиябозлик.* «Ёшлик».

АСКИЯЧИ *айн.* **аскиябоз**. *Буларга.. колхозчи ҳаваскор ашулачилар, ўйинчилар, қизиқчилар, ниҳоят, тарафма-тараф аскиячилар қўшилиб, концерт қоронғи тушгунча давом этди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АСЛ [*а.* اصل – келиб чиқиш] *от* **1** Келиб чиқиши, келиб чиқиш эътибори билан қарашлилиги; насли, таги. *Мен аслимни, чўпон,*

сенга айтайин, Кўҳи Қофда Ойша пари боласи. «Ойсулув». *Мадаминнинг асли кимлигини, Тожибой уни қачондан танишини суриштирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Келиб чиққан (асос) жойи. *Асли тошкентлик.* ▬ *Мен ҳам деҳқон боласиман. Аслимиз Қудашдан.* А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари.

3 Яратилишдаги, бош, дастлабки. *Асл нусха.* ▬ *Бундан икки йил аввал хон саройининг ички бинолари таъмирланиб, асл ҳолига қайтарилган эди.* Газетадан.

4 *сфт.* Чин, чинакам, ҳақиқий. *Асл муддао. Асл ном.* ▬ *Отабек, уялмай, тортинмай жавоб берингиз, бу гал Тошкентдан чиқишингиздаги асл мақсадингиз нима эди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Билим олишга асл йўл энди очилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АСЛАН [*а.* اصلاً – аслига кўра] *кам қўлл.* Келиб чиқиш жиҳатидан, насл-насаб томонидан.

АСЛАҲА [*а.* اسلحه – қуроллар] Уруш-жанг қуроллари, қурол-яроғ. *Уруш аслаҳалари. Ҳарбий аслаҳа.* ▬ *Лашкарлар.. ёв-яроғини ғамлаб, ҳар ким ўз аслаҳасини олиб, жўнашга ҳозирлик кўрди.* «Маликаи айёр».

АСЛАҲА-АНЖОМ Уруш-жанг учун керакли қурол-яроғ ва анжомлар. *-Тўғри, солдатлар ҳорган, сийраклашган, лекин янги кучлар, қурол, аслаҳа-анжомлар келиб турибди,– деди генерал.* Ойбек, Қуёш қораймас.

АСЛАҲАХОНА 1 *эск. айн.* **арсенал 1**.

2 *кўчма* Уруш эҳтиёжлари учун яроғ-аслаҳа ва керак-яроғлар етказиб берадиган база. *Бунинг устига, Афғонистон ҳудуди ва чегаралари назорат қилиб бўлмайдиган қурол-яроғ аслаҳахонасига айланган.* Газетадан.

АСЛИ 1 Асл с. 3-ш. шакли. *Одамларнинг яхшиси – ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир.* «Фан ва турмуш».

2 *айн.* **асл 1, 2**. *Ҳилолий Равшанбекнинг асли зотини сўраб.. бир сўз деди.* «Гўрўғлининг туғилиши». *Асли ўсган ерим менинг Кўйистон.* «Маликаи айёр».

3 Ҳақиқат эътибори билан; аслида. *Қарови биздан бўлгани билан.. мол асли Жовливойники..* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Гапнинг қисқаси, таомилимизда асли бор бўлиб, сўнгги даврларда истеъмолдан чиқиб кетган.* Газетадан.

4 Одатга кўра, табиатан; аслида. *Дадам асли хатни онда-сонда ёзади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

5 *мод. с. взф.* Фикрнинг тўғрилигини (сўзловчининг шундай муносабатини) билдиради; аслида. *Асли, либос эмас, улуғдир одам..* Воқиф. *Асли, одам насли девдан улуғдир..* «Маликаи айёр».

АСЛИДА *айн.* **асли 3-5**. *Аслида бу хурсандчилик Рамазон ойи кириб келиши билан бошланади, десам муболаға бўлмайди.* Газетадан. *Марҳумларнинг хотирасига ўтказиладиган маъракаларга азадордан кўнгил сўраш учун борилади, аслида.* Газетадан.

АСЛИЙ: аслий сифат *тлш.* Предметнинг белги-хусусиятларини бевосита англатувчи сифат, туб сифат *(мас., оқ, яшил, енгил, иссиқ, совуқ).*

АСЛО [*а.* اصلا – бутунлай.. эмас] *юкл.* Таъкид, кучайтирув ифодалайди. *Асло мумкин эмас.* ▬ *Ҳаёсизда ор бўлмас, асло вафодор бўлмас.* «Қўшиқлар». *Зебихоннинг отаси қизининг нозига қарайдиган кишими? Йўқ, асло йўқ!* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Юртим, сенга шеър битдим бу кун, қиёсингни топмадим асло.* А. Орипов.

АСНО [*а.* اثنا – замон, вақт; замон ораси] *кт. кўм. (асно, аснода, асносида* шаклларида*)* Вақт муносабатини ифодалайди, ўзи бириккан сўз билдирган вақтга оидликни билдиради. *..ғайришуурий тарзда титраётганини шу асно пайқаб қолди.* «Ёшлик». *Суҳбат асносида ён чўнтагидан махорка олиб, оддий қоғозга авайлаб ўрай бошлади.* Газетадан. *Шу аснода бир қора мушук лип этиб, ўзини ташқарига олди.* «Ёшлик».

АСО [*а.* عصا – таёқ, ҳасса] *эск. айн.* **ҳасса**. *Соялар тагида — дилкаш суҳбатда Асога суянган кексалар қатор.* Миртемир.

АСОВ 1 Ром бўлмаган, одамга ўрганмаган, ювош тортмаган. *Асов туя.* ▬ *Кулги учун бўлса керак, ноиб.. уни асов бир отга миндирган эди.* С. Айний, Судхўрнинг ўлими. *Чўлга ўрганган асов қўй оғилни бузиб юборгудай типирчилайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *кўчма* Инсон иродасига бўйсундирилмаган, жиловланмаган (табиат кучлари ҳақида). *Норин. Шўх дарё, асов дарё. Тутқич бермас телба дарё.* Н. Сафаров, Оловли излар.

АСОРАТ I [*а.* اسارت – асирлик, тутқунлик] Озодлик (эрк) дан маҳрумлик, тутқунлик. [*Фурқат*] *Жуда кўп асарларида зулм ва асорат исканжаларида инграган меҳнаткаш халқнинг орзу-умидини куйлади.* Газета-

дан. *Адолат бошингга озодлик байроғини илди, Асоратдан қутулган меҳри дарё, меҳрибон ўлкам.* Воқиф.

АСОРАТ II [*а.* اثارت – излар; қолдиқ] **1** Одатда, салбий таъсир. *Узоқ, оғир йўл ва жадал юришнинг асорати бўлса керак, отларнинг сағриси совундай кўпириб турибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *тиб.* Бирор нарсадан қолган ёмон оқибат; асар. *Грипп ва у қолдирадиган асоратнинг олдини олиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим.* Газетадан. *Аёллар болани олдиришга.. шошилишади-ю, бунинг қандай асоратлар қолдириши ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди.* «Саодат».

АСОС [*а.* اساس – негиз; манба] **1** Нарсанинг барча қисмларини тутиб ёки кўтариб турувчи қисми, таянчиғи. *Шамдон асоси. Станок асоси.*

2 Ижтимоий ҳаёт ёки табиат ҳодисаларининг негизини ташкил этган нарса; таянч, негиз, пойдевор. *Илмий асос. Назарий асос.* ▬ *Ижодий меҳнат қадр-қимматининг ҳуқуқий асосларини яратиш керак.* Газетадан.

Асос солмоқ Асосини яратмоқ, юзага келтирмоқ. *Шаҳарга асос солмоқ.* ▬ *Демак, бундан беш минг йил муқаддам асос солинган деҳқончиликда шоли ҳам бўлиши керак.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик. *Камол Иқоний асос солган иқония тармоғи тариқат шажарасининг Зангиота тармоғидан бошланади.* «Фан ва турмуш».

3 *(фақат кўпл. шаклида)* Бош қоидалар, элементлар, асосий принциплар. *Фан асослари. Кимё асослари.*

4 Содир бўлган ёки қилинган иш-ҳаракат, айтилган фикр ва ш.к. ни далилловчи нарса. *Мен бу йигитнинг ишини текшириб кўрдим. Маҳкамни айблашга асос тополмадим.* Н. Сафаров, Уйғониш. *-Ишонишга асос бор, – деди Рамазонов дадиллик билан.* «Шарқ юлдузи».

5 *ким.* Кислоталар билан ўзаро таъсир қилиб, туз ҳосил этадиган бирикма.

АСОСАН *рвш.* **1** Асос эътибори билан, умуман олганда. *Тўғон участкасида ер иши асосан битди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Республикамизда кўп болали оналарнинг катта қисми асосан қишлоқларда яшайди.* «Саодат».

2 *(ж.к. с. билан) кўм. взф.* Сабаб, асос муносабатини билдиради; кўра, биноан. *Қонунга асосан. Буйруққа асосан бажармоқ.*

АСОС(И)ДА 1 Асос с. ў-п к. шакли. *Бу гапнинг асосида жуда кўп маъно бор.* Сўзлашувдан.

2 *кўм. взф.* 1) сабаб, асос муносабатини (маъносини) билдиради; кўра, биноан. *Қонун асосида. Лойиҳа асосида қурмоқ.* ▬ *Жамиятимизнинг рисоладагидек қонунлари асосида яшашни ўрганяпмиз.* Газетадан.; 2) ҳаракат-ҳодисанинг йўли, тарзини билдиради; йўли билан. *Шу асосда. Шерикчилик асосида.* ▬ *..институтларнинг ташкилот ва муассасалар билан хўжалик шартномалари тузиш асосида олиб бораётган тадқиқотлари кўлами тобора кенгаймоқда.* «Фан ва турмуш».

АСОСИЙ 1 Аҳамият эътибори билан муҳим, бирламчи. *Асосий вазифа. Асосий масала.* ▬ *Конкурсда ёш тадқиқотчиларнинг диққати фан ва техниканинг энг асосий йўналишларига қаратилгани намоён бўлди.* «Фан ва турмуш».

2 Асос ҳисобланувчи, асосида ётувчи, белгиловчи. *Асосий фонд. Асосий хулосалар.* ▬ *Мумдан ясалувчи валиклардан нусха олиб бўлмайди, фонографнинг асосий камчилиги ана шунда эди.* «Фан ва турмуш». *Чекиш энг оғир касаллик – қон томирларининг тиқилиб қолишига асосий сабабчи ҳисобланади.* Газетадан.

3 Шахсни иш-фаолият жиҳатдан белгиловчи, унинг ҳаёти асосан боғлиқ бўлган. *Асосий касб. Асосий иш жойи.*

4 *ким.* Асос ва кислоталарнинг ўзаро таъсиридан ҳосил бўлган тузлар. *Асосий тузлар.*

АСОСЛАМОҚ 1 Далил-исботлар билан мустаҳкамламоқ. *Ўз фикрини асосламоқ. Лойиҳани асосламоқ.* ▬ *Арасту* [*Аристотель*] *Ернинг шарсимон тузилиши ҳақидаги таълимотни кенгайтирди ва асослади.* «Астрономия».

2 *кам қўлл.* Асос солмоқ, пойдевор қурмоқ, бошлаб бермоқ.

АСОСЛАНМОҚ 1 Асосламоқ фл. мажҳ. н. *Даъво тўла асосланди. Асосланмаган мулоҳаза.*

2 Асосида иш кўрмоқ; таянмоқ, суянмоқ. *Мана шу ўлка сунъий суғоришга асосланган энг ҳосилдор деҳқончиликнинг ватани бўлган.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик. *Аёлнинг берган таъриф ва тафсилотларига асосланиб, ҳожатбарор «юлдуз»ни тутиб келтиришди.* Газетадан.

АСОСЛИ 1 Етарли асосга эга бўлган, далиллар билан мустаҳкамланган, исбот қилинган. *Асосли хулоса. Асосли даъво.*

2 Асоси, таянч қисми бўлган. *Чўян асосли лампа.*

АСОССИЗ 1 Етарли асоси бўлмаган, далиллар билан мустаҳкамланмаган. *Асоссиз хулоса. Асоссиз таъна. Асоссиз далил. Асоссиз гумонсираш.*

2 Ноҳақ. *Асоссиз хафа бўлмоқ.*

АСОСЧИ Бирор нарсага асос солган, пойдевор қурган шахс; бирор нарсани барпо қилган, таъсис этган ёки бошлаб берган киши; яратувчи. *Бутун дунё олимлари Аҳмад ал-Фарғоний ва унинг сафдошларининг фанга улкан ҳисса қўшганликларини тан олиб, уларни жаҳон илм-фани асосчилари сифатида ҳурмат қиладилар.* Газетадан.

АСОТИР [*а.* اساطير – ривоятлар, уйдирмалар] Ривоятлар. *..Жамшид афсона ва асотирларини ўқиганда жуда ҳам жонли чиқаради.* А. Қодирий. Ғирвонлик Маллавой. *Илонлар жаҳон халқларининг қадимий тасаввурлари ва асотирларида сезиларли ўрин тутади.* Газетадан.

АСОТИРИЙ Асотирга оид, ривоятларга асосланган, турли афсона, нақллар асосидаги. *Биз қуйида аждодларимизнинг асотирий дунёқарашидаги илон тотеми билан бевосита боғлиқ айрим саҳифалар билан танишамиз.* Газетадан.

АСП [*ф.* اسپ – от] **1** *шв.* От. *Майдонда ўйнаткин аспу тозингни.* «Равшан».

2 *шахм.* От шаклидаги сипоҳ; от. *Аспни юрмоқ.*

3 *айн.* **от** II **2**. *Унинг йили асп.*

Асп йили *айн.* **от йили**. *қ.* **от, йил**.

АСПАЛАСОФИН *с. т. қ.* **асфаласофилин**.

АСПЕКТ [*лот.* aspectus – нуқтаи назар; кўриниш] Нарса-ҳодиса, тушунча ва ш.к. нинг ўрганилишига асос бўладиган нуқтаи назар. *Масалани турли аспектда текширмоқ.*

АСПИЖАЛЛОБ [*ф.+а.* اسپ جلّاب – от сотиб олиб келувчи] *эск.* От олиб сотувчи савдогар.

АСПИРАНТ [*лот.* aspirans, aspirantis – интилувчи] Аспирантурада шуғулланувчи, яъни номзодлик диссертацияси устида иш олиб борувчи шахс. *..Институт биносига кирди-да, тўппа-тўғри аспирантлар ўтирадиган умумий хона эшигини очди.* Мирмуҳсин. Умид.

АСПИРАНТКА Аспирант аёл.

АСПИРАНТУРА Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми, олий малакали илмий ва илмий-педагогик ходимларни (фан номзодларини) тайёрлаш тизими. *Аспирантурага қабул қилинмоқ. Аспирантурани тамомламоқ.*

АСР I [*а.* عصر – давр, замон] Юз йиллик давр, юз йил. *Йигирманчи аср.* ▬ *Ўтган асрнинг сўнгги кузи Қорабулоққа очиқ чеҳра билан келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу дарахтлар бир неча аср умр кўрган.* Ойбек, Нур қидириб.

АСР II [*а.* عصر – тушдан кейинги, қуёш ботишига яқин вақт] Қуёш ботиш чоғидан бир соатча олдинги пайт ва шу пайтда ўқиладиган намоз. *Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскари билан халқ орасида уруш бошланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баззоз дўконини катта ўғлига қолдириб, ҳар кун аср намозини уйига келиб ўқир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

АСРАМОҚ 1 Ёмон таъсирдан, салбий ҳодисадан ҳимоя қилмоқ. *Мақсадимиз элни асраш.* ▬ *Шундан буён Унсин йиғлайди. Шокир ота: «Золимнинг зулмидан асра!» деб Йўлчи учун қайғуради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Йўқ бўлиш ва ш.к. га қўймай, эҳтиёт ҳолда тутмоқ. *Ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши отасидан қолган ва ўзи тўплаган икки мингдан зиёд.. китобларни ҳеч кимга бермай, келажак учун асрайди.* К. Яшин, Ҳамза. *Оролни асраш комитетининг ташаббуси билан Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазири К. Сапаев билан учрашув бўлиб ўтди.* Газетадан.

3 Бирор мақсадда парваришлаб қарамоқ; боқмоқ. *Мол асрамоқ. Қуш асрамоқ.*

АСРАНДИ Бошқа ота-она қарамоғига, фарзандлигига олиб тарбия қилинган. *Асранди бола. Асранди ўғил. Асранди қиз.* ▬ *Лиза ўн учга кирган бўлса ҳам, ўзининг асранди эканлигини мутлақо билмайди.* Н. Назаров, Замон.

АСРДОШ Бирор шахс билан бир замонда, бир даврда яшаган ёки яшаётган шахс; замондош. *Навоийнинг асрдошлари.* ▬ *Эй, жаҳонга арзиган инсон, Асримизга асрдош бўлган, Кўнглимизга чин сирдош бўлган.* Э. Аббос.

АСРИЙ *кт.* Асрлар бўйи яшаб, давом этиб келаётган. *Асрий обидалар. Меҳнаткашларнинг асрий орзулари.* ▬ *Чўққиси булутлардан ошган асрий тоғлар, ер юзига мангу нур сочиб турган тўлин ой ва чарақлаб*

турган сон-саноқсиз юлдузларга ҳасад билан қарайди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

АСРОР [*а.* اسرار – сирлар] **1** *эск. кт.* Сир; сирлар. *Зайнаб энди ўз асрорини, Армонини, истак, зорини Опасига этиб ошкора, Қилмоқчидир дардига чора.* Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон. *Сергей Қобилнинг юрагида кўмилиб ётган сиру асрорини билиш учун олисдан гап бошлашга қарор берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Асрор (эркаклар исми).

АСРЧИЛИК: **ўрта асрчилик** Тарихда 5–15-асрларни ўз ичига олган давр ва шу даврга хос ҳамма нарса. *Мавзу устида узоқ.. сўзлаб, шеърдаги эскилик, ўрта асрчилик, сунъийликка кескин қарши чиқди.* Ойбек, Нур қидириб.

АССАЛОМ [*а.* السّلام – тинчлик; соғлиқ] **1** Тўғри шакли: ассалому алайкум *қ.* **алайкум**.

2 Салом йўллов, қутлов шакли. *Ассалом, тошкентлик уста пахтакор, Мирзачўл бағрига келтирдинг баҳор.* А. Пўлат.

АССАМБЛЕЯ [*фр.* assemblee – мажлис, йиғилиш] **1** Халқаро ташкилотларда баъзи раҳбарлик органлари номи (мас. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси).*

2 Йиғилиш.

АССИМИЛЯЦИЯ [*лот.* assimilatio – ўхшатиш, қиёс, тенглаштириш] **1** *биол.* Ўсимлик ёки жонивор организми фаолияти жараёнида ташқаридан қабул қилинган моддаларнинг ўзлашиши, сингиши, ҳазм бўлиши; ўзлаштирилиши, сингдирилиши, ҳазм қилиниши.

2 Бир халқ (ёки унинг бир қисми)нинг бошқа бир халқ урф-одатларини, маданияти ва тилини ўзлаштириб, ўз тили, маданияти ва миллий онгини йўқотиши натижасида ўша халққа қўшилиб кетиши.

3 *тлш.* Бир товушнинг бошқа бир товуш таъсирида ўхшашлик (бир хиллик) томон ўзгариши. Масалан: *ошши* < *ошни, туссиз* < *тузсиз.*

АССИСТЕНТ [*лот.* assistens, assistentis – қатнашаётган, ёрдамлашаётган] **1** Мутахассиснинг ёрдамчиси. *Профессор ассистенти.* ▬ *-Курсини берироқ суринг, – деди ассистентга кўзини аппаратдан узмаган ҳолда.* Ҳ. Аҳмар. Омонат.

2 Олий ўқув юртларида кичик ўқитувчилик лавозими ва шу лавозим эгаси.

АССИСТЕНТЛИК Ассистент иши, лавозими. *Ассистентлик қилмоқ.*

АССОРТИМЕНТ [*фр.* assortiment – терма, йиғма, тўплам, сараланган] Товарларнинг турли хиллари, номлари ва навларига кўра тўплами. *Корхонани реконструкция қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш бўйича дадил қадам ташланди.* Газетадан.

АССОЦИАЦИЯ [*лот.* associatio – қўшилма, бирлашма] **1** Умумий мақсадга эришиш учун тузилган уюшма, иттифоқ. *Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси сизни ўқишга таклиф қилади.* Газетадан. *Ассоциациянинг асосий вазифаси йўлбошчимиз судлар фаолияти моҳиятини тубдан ўзгартириш борасида қўйган вазифаларни изчиллик билан бажаришдан иборатдир.* Газетадан.

2 *психл.* Нерв-мия фаолияти билан боғлиқ бўлган алоҳида психик актлар, яъни тасаввурлар, фикрлар, ҳис-туйғулар орасидаги боғланиш ва шу боғланишга асосланган идрок. *Ўхшашлик натижасидаги ассоциация.*

АСТА *рвш.* **1** Паст тезлик билан; секин. *Шоқосим ўрнидан турди, этагининг чангини қоқиб.. ўз чайласи томон аста жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўқай устига тун қоронғилиги аста бостириб келаётган пайтда, у қамишлар орасидан чиқди.* С. Аҳмад. Уфқ.

2 Паст даражадаги товуш билан; секин. *Мирзакаримбой яна ўшшайиб тикилди, аммо маслаҳатгўйлик билан аста гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Сезилар-сезилмас даражада, шундай хатти-ҳаракат билан, секин. *Аста кўзини очмоқ. Эшикни аста ёпмоқ.* ▬ *Аҳмад дик этиб туриб, елкамга аста уриб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

АСТА-АСТА *рвш.* Секинлик билан, секин-аста. *қ.* **секин** ва **аста**. *Кечга яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди, иссиғи озайди, нафас олиши ҳам аста-аста дуруслашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қизлар бўлса, нималарнидир аста-аста сўзлашиб, пиқирпиқир кулишарди.* Ойдин, Келин ўғил туғди.

АСТАР [*а.* استر – ёпинчиқ, парда; *ф.* آستر – ичдан тикилган мато] Кийим ёки кўрпа, кўрпача сингари нарсаларнинг ички қавати, ички томонига тикилган материал. *Бўз астар. Кўрпанинг астари.* ▬ *У чап қўлини силтаб тортди, кейинги силташда тўнининг астари «тирр» этиб йиртилди.* «Ёшлик».

АСТАР-АВРА Астар ва авра.

Астар-аврасини ағдармоқ *айн.* **авра-астарини ағдармоқ** *қ.* **авра-астар**.

АСТАРЛИК Астар қилишга ярайдиган; астарбоп. *Астарлик чит. Астарлик газлама.*

АСТАР-ПАХТА: **астар-пахтасини чиқармоқ** (*ёки* **ағдармоқ**) 1) тит-пит қилмоқ, тилка-пора қилмоқ, дабдаласини чиқармоқ; 2) қаттиқ коймоқ, танқид қилмоқ; 3) бутун кирдикорларини очиб ташламоқ, фош қилмоқ.

АСТА-СЕКИН *рвш.* **1** *айн.* **аста.** *Отлар ўз-ўзидан аста-секин юриб кетди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. [*Мастура Норга:*] *Ахир, сиз, қизиқсиз! Беш кун сабр қилинг, куёв-пуёвга чиқсин, бир ой, ярим ой ўтсин, ундан кейин аста-секин қашлаб, ишга солайлик-да.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *айн.* **аста-аста**. *Узоқдаги тоғ оралиқларидан бошланган қоронғулик аста-секин ҳамма ёққа тарала бошлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. [*Раҳматилла*] *Аста-секин ўзини ўнғарди, уй-жой қилди, хотин олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Асталик билан ва давомий тарзда. *зид.* **жадал**. *Фолбинлик ва ғойибдан билиш сирларини очишга олимлар аста-секин яқинлашиб келишяпти.* «Фан ва турмуш».

АСТАҒФИРУЛЛО [*а.* استغفرالله – худо, ўзинг сақлагин; худо, ўзинг кечир] *унд. с.* **1** Ажабланишни, ҳайратни билдиради. *Йўлчининг сўзларига ҳайратланиб, чол ёқасини ушлади: «Астағфирулло!»* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ғазаб, аччиқланиш аралаш ҳайратни, норозиликни билдиради. *Олишда — бисмилло, беришда – астағфирулло.* Мақол. ▬ *Махдум айвонга чиқиб ўтирар чоғида яна бир «астағфирулло» деб қўйди. Чунки кайфи жуда ҳам бузилган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АСТЕРОИДЛАР [*юн.* aster – юлдуз + eidos – кўриниш; ўхшаш] *астр.* Қуёш тизимининг Марс ва Юпитер ўрталиғида айланадиган кичик планеталари, кичик осмон жисмлари; кичик сайёралар.

АСТИ *с. т.* Асло. *Бир нарсага асти чидаёлмайман.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Мен бешик қучоқлаб, асти киприк қоқмай чиқдим.* Ҳамза. Бой или хизматчи.

АСТМА [*юн.* asthma – ҳаллослаш, бўғилиб қолиш] Бронхлар тешигининг тўсатдан торайиб қолиши ёки юрак касалликлари натижасида тутадиган бўғилиш хуружи. *Шолғом шарбати.. бронхиал астма касалликларига тавсия этилади.* «Саодат».

АСТОЙДИЛ [*ф.* از ته دل – юракнинг чуқур жойидан] *рвш.* **1** Чин кўнгилдан, сидқидил билан. *У* [*Зебо*] *Элмуродни астойдил севиб қолган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бекор қилаётирсиз, оға.. мен сизга астойдил хизмат қилмоқчи эдим.* С. Сиёев. Аваз.

2 Жиддий равишда; ростакамига. *Сафар аканинг астойдил аччиқланганини сезган имом орага тушди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Астойдил куйиб гапираётган меҳмон, Ҳакимжоннинг кўзи уйқуга кетганидан кейингина сўздан тўхтади.* «Шарқ юлдузи».

3 Ҳалоллик билан, виждонан. *Ҳамма кеча демай, кундуз демай, астойдил ишлаяпти.* Ж. Шарипов, Саодат.

АСТРО- [*юн.* astron – юлдуз] Қўшма сўзлар таркибидаги биринчи сўз бўлиб, юлдуз ва сайёраларга алоқадорликни билдиради.

АСТРОБИОЛОГИЯ [астро.. + биология] Коинотда кечадиган ҳаётнинг барча кўринишдаги турларини ўрганадиган фан.

АСТРОБОТАНИКА [астро.. + ботаника] Астрономиянинг сайёралардаги (биринчи галда Марсдаги) ўсимликларни ўрганадиган бўлими.

АСТРОЛОГ Астрология билан шуғулланувчи шахс, мунажжим.

АСТРОЛОГИЯ [астро.. + *юн.* logos – билим, тушунча] Қадимда осмон ёритқичларининг ҳолатига қараб фол очишдан иборат бўлган сохта фан, илми нужум. *Даврларнинг ўтиши ва тажрибаларнинг тўпланиши натижасида сохта фан бўлган илми нужум – астрология юзага келган.* «Фан ва турмуш».

АСТРОЛЯБИЯ [*юн.* astrolabion < астро.. + labe – ушлаб, тутиб олиш] Астрономияда узунлик ва кенгликларни аниқлаш учун 18-асргача қўлланиб келган бурчак ўлчаш асбоби. *Ал-Хоразмий қуёш соатлари, астролябиянинг тузилиши ва қўлланишига оид рисолалар ёзиб, амалий астрономиянинг ривожига катта ҳисса қўшди.* Газетадан.

АСТРОНАВТ *айн.* **космонавт**. *Жон Гленн 1962 йилнинг февраль ойида фазога учиб, Ер шарини айланиб чиққан эди. У Американинг биринчи астронавтидир.* Газетадан.

АСТРОНАВТИКА [астро.. + *юн.* nautike – кемани бошқариш] *айн.* **космонавтика**.

АСТРОНОМ Астрономия олими, мутахассиси.

АСТРОНОМИК Астрономияга оид. *Астрономик асбоб. Астрономик обсерватория. Астрономик кашфиётлар.*

Астрономик сонлар (*ёки* **рақамлар**) Жуда катта сон билан ифодаланадиган миқдорлар, катталиклар.

АСТРОНОМИЯ [*юн.* astronomia < astron + nomos – қонун] Осмон жисмлари, умуман коинот тузилиши ва тараққиёти тўғрисидаги фан.

АСТРОФИЗИКА [астро.. + физика] Астрономиянинг осмон жисмларининг физик ҳолатини ва кимёвий таркибини ўрганадиган бўлими.

АСФАЛАСОФИЛИН [*а.* اسفل السّافلين – тубанларнинг тубани, энг ярамас, энг тубан] *дин.* Дўзахнинг энг таги, жаҳаннам.

Асфаласофилин бўлмоқ *ёки* **асфаласофилинга кетмоқ** 1) чуқурликка, жарликка тушиб кетмоқ; 2) *кўчма* ҳалок бўлмоқ, ҳалокатга учрамоқ. *Қани, суюнчини чиқараверинг, Мўминжон ака! Падарлаънат золим Николай подшо йиқилибди, асфаласофилинга кетибди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

АСФАЛЬТ [*юн.* asphaltos – тоғ смоласи, қатрон] **1** Йўллар, тротуарлар қуришда ва саноатнинг баъзи тармоқларида ишлатиладиган табиий ёки сунъий, қорамтир, смоласимон модда. *Тротуарга асфальт ётқизмоқ.* ▬ *Фрот дарёси қирғоқларида нефть ва асфальт конлари мавжуд бўлган.* «Фан ва турмуш».

2 Йўлга, ер юзасига ётқизилган шундай модда қатлами. *Паннога киравериш йўлагидаги асфальт қатламлар ўрнига қадимий усулда пишиқ ғиштлар ётқизилди.* Газетадан.

АСФАЛЬТЛАМОҚ Асфальт ётқизмоқ, асфальт билан қопламоқ. *Йўлни асфальтламоқ.*

АСФАЛЬТЛИ Асфальт ётқизилган, асфальтланган. *Асфальтли кўчалар. Асфальтли майдон.* ▬ *Ҳамма борар асфальтли йўлдан..* Ҳ. Салоҳ.

АСФИКСИЯ [*юн.* a – инкор қўшимчаси + sphyxia – пульс**]** Бўғилиб қолиш – организмда кислород етишмай, карбонат ангидрид кўпайиб кетиши натижасида пайдо бўладиган патологик ҳолат.

АСЪАСА-ДАБДАБА [*а.* عصعصه دبدبه – излаш, қидириш; тақиллаш, дукиллаш] Зўр маҳобат; катта тантана, дабдаба. *Амири лашкар, сармуншийлари атрофида, асъаса-дабдаба билан киради.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё.

АСҚАТМОҚ Керак бўлмоқ, кунигаярамоқ, иш бермоқ. *Бўздан тикилган халталари йўлда асқатадиган нарсалар билан лиқ тўла..* «Ёшлик». *Одам одамга шунақа пайтда асқатмаса, қачон асқатади?* М. Мансуров. Ёмби. *..уруш қатнашчиси бўлгани асқатиб, отам зўрға қутулиб қолган экан.* Газетадан.

АСҲОБ [*а.* اصحاب – дўстлар, ўртоқлар; соҳиблар, эгалар] Дўстлар, ўртоқлар, ҳамсуҳбатлар. *Риҳлатга ният қилган ҳадис асҳоблари учун бир қатъий шарт бўлганки, у сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бироиртасини ҳам қолдирмасдан ҳадислар ёзиб олган бўлиши ва шундан кейингина бошқа мамлакатларга сафарга отланиши мумкин эди.* Газетадан.

2 *дин.* Саҳобалар, Муҳаммад пайғамбарни кўрган, унинг пайғамбарлигини тан олган, бинобарин, дастлаб мусулмонликни қабул қилган кишилар; Муҳаммад пайғамбар сафдошлари, суҳбатдошлари.

АТАВИЗМ [*лот.* atavi – аждод, ота-боболар] *биол.* Қадимги аждодларда бўлган белгиларнинг бир неча бўғинда йўқолиб кетиб, кейинчалик бошқа авлодларда яна пайдо бўлиши.

АТАВИСТИК Атавизмга оид. *Атавистик ҳодисалар.*

АТАЙ *с. т.* **атайин**. *Илгари усталар пичоққа соп излаб, атай сайғоқ овига чиқишаркан.* М. Мансуров, Ёмби.

АТАЙДАН *айн.* **атайин**.

АТАЙИН *рвш.* **1** Махсус равишда, алоҳида бир мақсад билан. *Оромбахш, салқин боғда сайр этиб юрган икки ёш юрак бу сафар ҳам тунда уйларига атайин пиёда жўнашди.* Мирмуҳсин. Умид. [*Бозоров:*] *Қани, Адолатхон, извошга чиқинг, атайин сизни олиб кетгани келдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Махсус ҳолда, жўрттага. *Йигитлар атайин хиралик қилиб, уни ўтказгани қўйишмайди.* «Шарқ юлдузи».

АТАЙЛАБ *айн.* **атайин.** *Энди бўлса, Ғафур Ғулом уни атайлаб йўқлаб кепти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Хотин ёш келинчаклардай хоҳишини сездирмай, атайлаб эринчоқлик билан тахмондан тўшакларни ола бошлади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

АТАКА [*фр.* attaque – ҳужум] **1** Шиддатли ҳужум; ҳужумнинг ҳал қилувчи пайти. *Рўпарадан қилинган атака. Ҳаво атакаси. Атака бошламоқ. Атака қилмоқ. Атакага*

ўтмоқ. ▬ *Батальон шу куни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *кўчма* Бирор нарсага, кимсага қарши жаҳду жадал билан олиб борилган кураш. *Чўлга қарши бир атака ясайлик.* Ойбек, О. в. шабадалар.

АТАК-ЧЕЧАК: атак-чечак қилмоқ 1) секин-аста қадам ташлаб юра бошламоқ (асосан, эндигина юра бошлаган бола тўғрисида). *Бир неча кун бурун ўғилча думалаб-думалаб, атак-чечак қила бошлади.* Ойбек, Навоий; 2) *кўчма с. т.* эндигина йўлга тушган, ҳали ўзини тутиб олмаган иш, фаолият ҳақида.

АТАЛА 1 Қиздирилган ёққа ун чалиб, сув қўшиб пишириладиган суюқ овқат. *Қийма(ли) атала. Ёвғон атала.* ▬ *Намозгар-намозшом ўртаси уйга қайтиб, аталами, угра ошми, апир-шапир ичиб, яна кўчага чопар эдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма* Шундай овқат сингари суюқ нарса. *Йигитча уни лойи атала бўлиб ётган бир кўчага бошлаб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Атала махсум Бўшашган, лалайган, ланж одам хақида. **Атала ичдингми**? Ҳадеб йиқилаверадиган ёки бўшашган одамга ҳазил тариқасида айтиладиган ибора. **Аталага бисмилло** *шв.* Жуда осон, енгил битадиган иш ҳақида.

АТАЛАМОҚ Қориштириб, аралаштириб, бирдек суюлтирмоқ. *Қатиқ(ни) аталамоқ.* ▬ *..бир қошиқ эчки сутини куйган сабзи чойига аталаб ичиб, яна лойга тушишлари керак.* А. Мухтор, Кумуш тола.

АТАЛАНМОҚ Аталамоқ фл. мажҳ. н. *Аталанган қатиқ.*

АТАЛА-УМОЧ Ундан тайёрланадиган ҳар хил суюқ овқатлар. *Кечқурун декчани қайнатиб, қора шўрва, атала-умоч, мошхўрда каби камбағалча овқатларни пишириб, Шокир ота бошлиқ ҳаммалари ўртада баҳам кўришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

АТАЛМОҚ 1 Атамоқ фл. мажҳ. н.

2 : **деб аталади** *айн.* **дейилади** *қ.* **демоқ**.

АТАМА 1 *айн.* **термин**.

2 Умуман, ном. *Лекин шаманни ҳар бир халқ ўз тилидаги ном, атама билан юритиб келган.* «Фан ва турмуш». *Республикамизнинг ўзидагина 400 дан ортиқ турли-туман қовун атамалари мавжуд экан.* «Фан ва турмуш».

АТАМАШУНОС Атамалар билан шуғулланувчи мутахассис.

АТАМАШУНОСЛИК Атамаларга оид илм; атамаларга оид масалалар билан шуғулланувчи соҳа. *Шу муносабат билан мамлакатда Атамашунослик қўмитаси тузилди.* Газетадан.

АТАМАН 1 Ихтиёрий казак дружиналарининг сайлаб қўйилган бошлиғи. Чор Россиясида: казак қўшинлари ёки қишлоқларида ҳарбий, полиция ва маъмурий ишларни бажариш учун тайинланган ёки сайлаб қўйилган бошлиқ. *Станица атамани. Қўшин атамани.*

2 Бирор тўда ёки гуруҳнинг бошлиғи; қўрбоши. *Босқинчилар атамани.*

АТАМОҚ 1 Ном бермоқ, от қўймоқ, номламоқ. *Шундан бери одамлар кўприкни «Хотинкўприк» деб аташади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Юсуфбек ҳожи [Кумушни].. «фаришта» деб атамоққа ҳам ҳозир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Деб тилга олмоқ, юритмоқ; айтмоқ. *Болалар уни [Толибжонни] орқаваротдан Отқулоқ десалар, олдида Эргаш тоға деб аташарди.* С. Аҳмад. Жимжитлик. *Ахир, нима қилаётганини билмаган одамларни ким деб аташ керак бўлмаса?* М. Мансуров. Ёмби.

3 Тилга олмоқ, айтмоқ (киши исмини). *Хайриятки, исмини атамади, деб ўйлади Яхшибоев, демак, ҳали умид бордай.* М.М. Дўст, Лолазор.

4 Бирор киши, тарихий воқеа ва ш.к. учун бағишламоқ, шунга мўлжалламоқ. *Улуғ бобокалонимиз хотирасига атаб амалга оширилган меъморий ишлар бу билан тугаб қолмайди, албатта.* Газетадан. *Ўзбек ойимнинг қутидор, Офтоб ойим ва Ойша кампирга атаб тиктирган саруполари ҳам битди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *дин. айн.* **бағишламоқ.** *Толеим қурсин, деб ёндим, куйдим. Фолбинларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Худойи атаганимизга бир йилдан ошиб қолди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

6 *ёрд. фл. взф.* Ҳисобламоқ, демоқ. *Мард атаймиз, кимки турса аҳду паймон устида..* Ҳабибий.

АТАН Қишга асраладиган узумни осиб қўйиш учун шип остига қурилган махсус дор, ёғоч. *Ишкомлар ёқуту ақиқ хазина, қирқ беш ном узум(лар) осилган атан.* Ғ. Ғулом.

АТАНМОҚ 1 Атамоқ 1 фл. мажҳ.н.

2 Ном чиқармоқ. [*Шавкат Ҳакимович*] *Ўзининг воҳасида атанган одам эди..* М.М. Дўст, Лолазор.

АТВОР [*а.* اطوار – юриш-туришлар, қилиқлар, феъл] *кам қўлл.* Хатти-ҳаракат, феъл. *Айниқса, жойлардаги баъзи арбобларнинг атворидан ранжийман.* Газетадан.

Феъл-атвор *қ.* **феъл**. *Одамнинг феъл-атвори – унинг қисматидир.* Газетадан.

АТЕИЗМ [*юн.* а – инкор + theos – худо] Динни, диний таълимотни, худони, умуман илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш; даҳрийлик.

АТЕИСТ Атеизм тарафдори; даҳрий, худосиз.

АТЕИСТИК Атеизмга оид, атеизм руҳидаги, динга қарши қаратилган. *Атеистик адабиёт. Атеистик ташвиқот.*

АТЕЛЬЕ [*фр.* atelier – рассом устахонаси] **1** Рассом, ҳайкалтарош, фотограф ишхонаси.

2 Кийим-кечак, пойабзал ва ш.к. ни тикиш, радио, телевизор ва ш.к. ни тузатиш билан аҳолига хизмат кўрсатувчи устахона. *Ателье олинган суратнинг олти ойгача эгасига ўхшашини гарантия билан таъминлайди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

АТЕРОСКЛЕРОЗ [*юн.* athera – бўтқа + scleros – қаттиқ] Артерия қон томирларининг торайиши ва функцияларининг аста-секин бузилиши; умумий ва маҳаллий қон айланишидаги нуқсонлар билан кечадиган сурункали касаллик. *Юрак-томир касаллигининг яна бир кўриниши атеросклероздир.* «Фан ва турмуш».

АТИГИ *рвш.* Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи, ниҳояти, фақатгина. *Қози поччам туш кўрсалар, атиги учтагина қолган сўйлоқ тишларидан биттаси тушиб кетибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Истиқлолга эришгунимизга қадар республикамиздан бир йилда атиги икки-уч киши ҳаж зиёратига борар эди.* Газетадан.

АТИР [*а.* عطر – хушбўй модда] Хушбўй моддаларнинг спиртдаги эритмасидан иборат косметик суюқлик. *Бир шиша атир. Атир иси.* ▬ *Бозоров «Ландиш» атиридан юзига, сочига, кителининг ёқасига суртди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АТИРГУЛ Раънодошлар туркумининг хушманзара ўсимлик сифатида экиладиган бир қанча турининг умумий номи. *Бу йўлнинг икки четига атиргул эмас, бир текисда мирзатерак ўтқазилган.* С. Зуннунова. Олов.

АТИРСОВУН Юз-қўл ювадиган хушбўй совун. *Обдаста билан дастшўй олиб кириб, Ҳафиза қўлини атирсовун билан ювдирди.* Мирмуҳсин. Умид.

АТИҚА: **осори атиқа** *қ.* **осор**.

АТЛАС I [*юн.* Atlas – мифологияда Ливия подшосининг номидан; гўё у биринчи бўлиб осмон глобусини яратган эмиш] **1** Муайян мақсадларда ва муайян тизим асосида танлаб олинган карталардан иборат бўлган ва тушунтириш матнлари билан альбом шаклида нашр этилган тўплам. *Географик атлас.*

2 Инсон аъзолари, ҳайвонлар, ўсимликлар, турли механизмларнинг қисмлари тасвири туширилган ва альбом шаклида нашр этилган тўплам. *Анатомик атлас. Ботаника атласи. Зоология атласи.*

АТЛАС II [*а.* اطلس – текис, силлиқ; ипакдан тўқилган майин мато] Бир томони ялтироқ, гулдор, кудунгланган маҳаллий ипак газлама. *Қора атлас. Сариқ атлас. Хон атлас. Саккиз тепки атлас.* ▬ *Мен келтирган атласни Ёрим солди сандиққа.* «Қўшиқлар». *Замира кўпчиликнинг талаби билан ўрнидан турар экан, қизил атлас кўйлагининг ранги юзига ургандай қип-қизариб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

АТЛЕТ [*юн.* athletes – курашчи, баҳодир] *айн.* **атлетикачи.**

АТЛЕТИК 1 Атлетикага оид. *Атлетик машқлар.*

2 Келишган, бақувват. *Атлетик қомат.*

АТЛЕТИКА [*юн.* athletikos – курашчиларга хос, ўхшаш] Куч ва чаққонлик талаб қиладиган ва уларни камолга етказадиган спорт машқлари мажмуи.

Енгил атлетика Югуриш, сакраш, найза, диск улоқтириш, ядро ирғитиш ва ш. к.ни ўз ичига олган спорт турлари. **Оғир атлетика** Оғир юк (штанга) кўтариш машқларини ўз ичига олган спорт тури.

АТЛЕТИКАЧИ Атлетика билан шуғулланувчи спортчи. *Илгари енгил атлетикачиларимизнинг муваффақиятли иштироклари тўғрисида хабар бергандик.* Газетадан.

АТМОСФЕРА [*юн.* atmos – нафас; буғ; ҳаво + sphaira – шар] **1** Ерни ва бошқа баъзи планеталарни ўраб турган газсимон қобиқ. *Ер атмосфераси. Қуёш атмосфераси.*

Атмосфера босими. ▬ *Бинобарин, атмосферани покиза тутмоқ учун барча давлатлар ҳамжиҳат иш олиб боришлари лозим.* «Фан ва турмуш».

2 *физ., тех.* Босим ўлчов бирлиги.

АТМОСФЕРАВИЙ Атмосферага оид; атмосферада содир бўладиган. *Атмосферавий электр разряди.*

АТО [*а.* عطا – бағишлаш, ҳадя бериш]: **ато қилмоқ** Инъом қилмоқ, бахш этмоқ, бермоқ. *-Шу инимга ҳам худо яхши қиз ато қилсин, – яна валдиради хотин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўйлаш, англаш бахтини табиат фақат одамга ато қилган.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

АТОМ [*юн.* atomos – бўлинмас] Кимёвий элементнинг барча хусусиятларини ўзида сақлаган энг кичик массали ва ўлчамли зарраси.

АТОМБОЗ Атом қуролидан фойдаланиш тарафдори, атом қуролини дастак қилувчи.

АТОМИСТИК Атомистикага оид. *Атомистик назария.*

АТОМИСТИКА Материянинг атомлардан тузилганлиги тўғрисидаги таълимот.

АТОМЧИ 1 Атом энергиясини ажратиш ва ундан фойдаланиш бўйича мутахассис, олим.

2 *айн.* **атомбоз.**

АТОРИД, Уторид [*а.* عطارد – Меркурий сайёраси] (А – *катта*) *эск. айн.* **Меркурий**. (Мифда бу юлдуз ёзувчиларнинг ҳомийси ҳисобланади).

АТОҚ *кам қўлл.* Ном, донг. *Эрнинг атоғи элга сиғса ҳам, чатоғи сиғмас.* Мақол.

АТОҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Атамоқ. *Севганимга атоқлаб Шойи белбоғ тўқидим.* “Қўшиқлар”.

АТОҚЛИ Бирор соҳада ном чиқарган, донг таратган, шуҳрат қозонган, донгдор, машҳур. *Атоқли олим. Атоқли давлат арбоби.* ▬ *Темур, тарихчилар тасвирича, ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан эди.* «Фан ва турмуш».

Атоқли от *тлш.* Бир шахс ёки предметга хос ном: *Карим. Гулистон.*

АТРИБУТ [*лот.* attributum – қўшиб берилган, таъминланган, қўшимча қилинган] **1** *флс.* Предмет ёки ҳодисанинг ўзига хос, ундан ажратиб бўлмайдиган энг муҳим характерли хусусияти, белгиси. *Ҳаракат материянинг атрибутидир.*

2 *тлш.* Гапда бирор бўлакнинг сифатини, белги-хусусиятини характерлаб келувчи иккинчи даражали бўлак; аниқловчи.

АТРИБУТИВ *тлш.* Атрибутга, аниқловчига оид; аниқловчили. *Сўзларнинг атрибутив боғланиши. Атрибутив алоқа.*

АТРОФ [*а.* اطراف – томонлар, чекка жойлар] **1** Теварақдаги фазо, жой, ер; ҳамма тараф. *Кун ботган, бутун атроф қоронғилашган эди.* С. Айний, Қуллар. *Йўлчи атрофга кўз ташлар, шамолда шилдираган ҳар баргдан чўчир эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Куй кечанинг жимлигида атрофга равон оқади.* С. Зуннунова, Олов.

2 Теварақдаги яқин жой, яқин орадаги ерлар. [*Ёрмат*] *Атрофдан биронта тарвуз топиб келтириш учун Ўрозга ялинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қорабулоқ қишлоғи ва атрофига қозилик қилувчи маълум зот эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бирор нарсанинг гир айланаси, тевараги ёки чети, зиҳи. *Атрофи қора, ўртаси гулли патнис. Дастурхон атрофи. Ҳовуз атрофи.* ▬ *Асрорқулнинг кўз атрофи қизариб, юзида сохта табассум акс этди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

4 *кўчма* Теварақдаги муҳит, кишилар. *Марямхон ўзи тўқиганми ё атрофдан эшитганми, ҳар вақт шундай жавоб берар эди: Кундош – бошингда тош, кўзингда ёш.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 3-ш. ж. к. ва ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (*қ.* **атрофига**, **атрофида**).

АТРОФИГА 1 Атроф с. ж.к. шакли. *Фосиҳ афанди, мингбоши ва аъёнлар садақайрағоч тагидаги супада тузалган ҳашаматли дастурхон атрофига келиб ўтиришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўм. взф.* Теварагига, қошига, ҳузурига. *Баҳовиддин султон-дарвеш ўз атрофига.. оқими руҳидаги ҳамфикрларни йиғади.* «Фан ва турмуш».

АТРОФИДА 1 Атроф с. ў.-п. к. шакли. Теварагида, гир айланасида. *Майдонча атрофида одамлар зич.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *кўм. взф.* 1) тахмин билдиради; чамаси (да). *Эллик килограмм атрофида. Юз центнер атрофида.* ▬ *Ёши йигирмалар атрофидаги.. бир йигитча.* Газетадан.; 2) теварагида, хусусида. *Шу икки фикр атрофида мунозара жуда қизиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АТРОФИЯ [*юн.* atrophia – кам озиқланиш; сўлиш, озиш] Тўқималар озиқланишининг бузилиши натижасида аъзоларнинг кичрайиб, ҳужайралар сифатининг ўзгариши.

АТРОФЛАБ *рвш.* Атрофидан айланиб ёки айлантириб; атрофида давра олиб. *Атрофлаб ўрамоқ.* ▬ *Самоварнинг кулдонини ингичка сим билан атрофлаб кавлаб, бир-икки қисм кул туширди-да, ўтхонасига икки-уч думалоқ тошкўмир ташлади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

АТРОФЛИ: **атрофли равишда** *айн.* **атрофлича**.

АТРОФЛИЧА *рвш.* Асосли равишда, ҳар томонлама, ҳамма томондан синчиклаб. *Масалани атрофлича муҳокама қилиш.* ▬ *Ҳаётга чуқур, кенг, атрофлича қараш, ундан кейин фикрлаш ва ўйлаш керак.* Ойбек, Нур қидириб.

АТТАНГ(А) *унд. с.* Афсусланиш ёки пушаймонни ифодалайди. *Аттанг, от бўлганда, орқасидан тушар эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Аттанг қилмоқ *ёки* **аттанг демоқ** Афсусланмоқ. *Қилса нодонликда иш нодон ахир аттанг қилур.* Ҳабибий. *Табиийки, бундай пахтакор кузга бориб аттанг деб юради.* Газетадан.

АТТАШЕ [*фр.* attache – қўшиб қўйилган, биркитилган] **1** Кичик дипломатик мартаба, унвон.

2 Бирор соҳа, масалан, ҳарбий соҳа вакили бўлган дипломатик ходим. *Ҳарбий атташе. Савдо атташеси.*

АТТЕСТАТ [*лот.* attestari – тасдиқламоқ, гувоҳлик бермоқ] **1** Ўрта мактабни тугатганлик тўғридаги ҳужжат; шаҳодатнома.

2 Илмий ёки махсус унвон берилганлиги ҳақидаги ҳужжат. *Профессорлик аттестати. Катта илмий ходимлик аттестати.*

3 1) ҳарбийларга, улар бошқа хизматга ўтказилганда, узоқ муддатли хизмат сафарига юборилганда ва б. ҳолларда бериладиган ҳужжат; 2) офицернинг оила аъзосига офицер маошининг бир қисмини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

АТТЕСТАЦИОН Аттестацияга оид. *Аттестацион варақа. Аттестацион комиссия.*

АТТЕСТАЦИЯ [*лот.* attestatio – гувоҳлик бериш; гувоҳнома; тасдиқнома] Ходим малакасини, билим даражаси ва хулқ-атворини аниқлаш ва шу асосда ишга тайинлаш ёки унвон бериш. *Аттестациядан ўтказмоқ. Аттестация комиссияси. Аттестация шаҳодатномаси.* ▬ *Аттестация ўтказиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди.* Газетадан.

АТТОР [*а.* عطّار – атир-упа сотувчи] **1** Упа-элик, турли дориворлар, хушбуй нарсалар ва ш. к.лар билан савдо қилувчи шахс, дўкондор. *Хуржун ортилган эшакни қишлоқма-қишлоқ олдига солиб: «Фаранги ип, ироқи совун, оқ сақич, қора сақич!» деб қичқирадиган аттор ҳам бедарак йўқолди.* П. Турсун. Ўқитувчи.

Атторнинг қутисида йўқ Топилмайдиган, йўқ нарса ҳақида. *Ўзбошимчалик билан атторнинг қутисида йўқ бир номаъқулчилик қилиб қўйди.* С. Нуров. Нарвон.

2 «Мантиқут-тайр» асарининг муаллифи – Фаридуддин Атторнинг тахаллуси.

АТТОРЛИК Аттор нарсалари, атторлар моллари сотиладиган жой. *Ундан атторлик дўконига ўтди.* «Ёшлик». *Эна, мана бу атторлик, баззозликда бир йигит бор эмиш..* «Луқмони Ҳаким».

АТТРАКЦИОН [*фр.* attraction – тортилиш] **1** Циркда томошабинларни ортиқ даражада қизиқтирадиган ўйинлар мажмуи.

2 Оммавий сайр қилинадиган жойлардаги кўнгилочар мосламалар (карусель, тир ва ш. к.).

АУДИТ [*лот.* auditis – эшитиш, тинглаш] Аудиторлик ваколати бўлган шахслар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботининг экспертизаси ва таҳлили; тафтиш.

АУДИТОР [*лот.* auditor – тингловчи] Белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган (ваколатлар берилган) ва аудиторлар касбий рўйхатига киритилган шахс (мутахассис).

Аудитор фирма (*ёки* **аудиторлик фирмаси**) Корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирма.

АУДИТОРИЯ [*лот.* auditorium – тинглаш жойи] **1** Машғулот, маъруза (доклад) ва ш. к. ўтказиладиган хона, бўлма. *Аудиторияда олинган билим билан чекланмаслик керак, албатта.* Газетадан.

2 Машғулот, маъруза ва ш. к.ни тингловчилар, шунингдек, радиотингловчилар ва телетомошабинлар.

АУКЦИОН [*лот.* auctio, auctionis — ўсиш, кўпайиш; оммавий савдо] Оммавий кимошди савдоси.

АУТ [*ингл.* out — ташқарида, нарида] **1** Спорт ўйинларида: тўп (шайба)нинг майдонни чегараловчи чизиқ (девор)дан ташқарига чиқиши.

2 Ҳакамнинг боксчи нокаутда эканини эълон қилиши.

АУТСАЙДЕР [*ингл.* outsider — чет, бегона; ташқарида қолган] Мусобақада охирги ўринлардан бирини эгаллаб турган спортчи ёки жамоа.

АФАНДИ 1 *эск.* Жаноб, жаноблар (мурожаатда). *У аъёнларга қараб: -Кетдик, афандилар! Ҳоким тўра кечки салқинда келадилар, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *эск.* Киши номига қўшилиб, ҳурмат билдиради ёки киши номининг таркибий қисмини ташкил этади. *Фосиҳ афанди сўрига эмас, извошга чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Командир афанди телеграмма беришни билмас эканлар.* А. Умар, Мухтор.

3 *эск.* Ўқитувчи, муаллим. *Элмурод.. унинг* [*Сотволдининг*] *«Муаллим ўзимизники.. Афандимнинг тупроғи шу ердан олинган» деганини эслади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Афанди (Хўжа Насриддиннинг эпитети).

5 *с. т. ҳазил* Ишидан янглишиб, кулгили ишлар қилиб юрадиган одам ҳақида. *Афанди одам. Афанди экансиз-ку!*

6 *с. т.* Латифа, анекдот. У [*Сидиқжон*] *энди.. аския ва афанди айтишар, ишга доир гапларга аралашиб, бировнинг фикрини қувватлар ёки рад қилар, ўз фикрини айтар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АФВ [*а.* عفو — гуноҳидан ўтиш, кечириш] *кт.* Кечирим, узр. *Сиздан бу улуғ гуноҳим учун афв сўраб, ҳайдалган ўғлингиз — Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Афв этмоқ *(ёки* **қилмоқ**) Кечирмоқ, узрни қабул қилмоқ, гуноҳидан ўтмоқ. *Бу лапашанглигимиз учун раҳнамоларимиз бизни афв этурлармикан?* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Афв этасиз** Кечирасиз (одатда сўзловчи гап бошида олдиндан узр сўраб ишлатади). [*Саидбек:*] *Афв этасиз, сиз буни қаёқдан биласиз, генерал жаноблари?* К Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё. **Афви умумий** *айн.* **амнистия**.

АФГОР [*ф.* افگار — яраланган, мажруҳ] *кт.* **1** Жароҳат олган, мажруҳ.

2 Эзилган. *Қуллик занжирида афгор бўлганлар..* Ғ. Ғулом. *Чори ота.. узун, серқадоқ бармоқлари билан чаккаларини ушлаб, афгор бир ҳолда чўкиб ўтирди.* С. Нуров. Нарвон.

Афгор этмоқ (*ёки* **айламоқ**) Афгор ҳолга солмоқ. *Енголмаса ақлинг гар, Ҳаётинг афгор этар.* Қ. Муҳаммадий. *Таънаю маломат тошлари мажруҳу афгор айлади.* Ҳабибий.

АФЗАЛ [*а.* افضل — энг фозил, энг фазилатли] **1** *(асосан ч. к. билан, икки нарсани бир-бирига чоғиштирувда)* Яхши, аъло, ортиқ. *Номуссиз юрмоқдан номусли ўлмоқ афзал.* Мақол. ▬ *Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз.. учун тилладан афзалдир.* Ойбек, Навоий. *Чироғим, бу ерни ўз уйингдек бил. Қоратойим қандай бўлса, сан ҳам манга шундайсан. Балки ундан афзалсан.* Ойбек, Танланган асарлар.

Афзал кўрмоқ Аъло ҳисобламоқ, ортиқ деб билмоқ. *Аммо Умид ҳозирча.. кўпроқ илмий иш билан шуғулланишни афзал кўрди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Афзал (эркаклар исми).

АФЗУН [*ф.* افزون — ортиқ, зиёда, кўп] *эск. кт.* Ортиқ, зиёда. *Ул юзи қуёшки, бордур ойдин афзун.* Бобур.

Ҳаддан афзун Ҳаддан ташқари, ниҳоятда, жуда. *Абдулкаримбек ҳаддан афзун хурсанд бўлиб, меҳмондорлик қилди.* "Фан ва турмуш".

АФИФ [*а.* عفيف — иффатли] *эск. кт.* Покиза, тоза, иффатли.

АФИФА 1 *эск. кт.* Покиза, тоза, иффатли (аёл ҳақида). *Шу дақиқадан бошлаб бекда у афифага.. чин бир ишқ туғиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Афифа (хотин-қизлар исми).

АФИША [*фр.* affiche — эълон] Спектакль, концерт, маъруза ва ш. к. ҳақида кўринарли жойларга ёпиштириладиган эълон. *Фигурали учиш мусобақаси ҳақидаги суратли афишани синчиклаб кўздан кечирди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

АФКОР I *қ.* **афгор**. *Агар сен унда кўрсанг ногоҳ озор, Мен эшитиб бўлурмен бунда афкор.* Юсуф Амирий, Даҳнома.

АФКОР II [*а.* افكار — фикрлар]: **афкори омма** Бутун омма. *Жаҳон афкори оммасини даҳшатга солган зилзила 1988 йил 7 декабрида Арманистонда юз берди.* «Фан ва турмуш».

АФЛОТУН [қадимги юнон олими Платон номининг арабча айтилиши]*:* **Афлотунмия** Ақли ўткир, донишманд одам ҳақида.

АФОРИЗМЛАР [*юн.* aphorismos – ҳикматли сўз] Ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллифи аниқ гап; ҳикматли сўзлар. Масалан: *Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис.* А. Навоий.

АФОРИСТИК Афоризм шаклидаги, афоризмга хос белгили. *Афористик иборалар.*

АФСОНА [*ф.* افسانه – ҳикоя, нақл; уйдирма] **1** Фольклор жанри: авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келган уйдирма, тўқимадан иборат, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят ва ш. к. *Тоғ қишлоқларининг теша тегмаган, ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўладиган ғалати эртаклари, афсоналари бўлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Оқсойликлар ўртасида бу жойнинг номи ҳақида афсона ҳам бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

Афсона бўлмоқ Эл-халққа гап-сўз бўлмоқ, элга достон бўлмоқ. *Излаб сени ҳар кўчада, Эл ичра кўп шарманда ҳам афсона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

2 *кўчма* Асоссиз гап, ёлғон-яшиқ, уйдирма.

Афсона тўқимоқ Уйдирма гап қилмоқ, бўлмағур гап-сўз тўқимоқ. *«Минг бир кеча»нинг Шаҳризодаси афсона тўқиб, ўлимдан қутулиб қолгандай, Мухторхон ҳам юқоридаги сингари ривоятлар паноҳида омон юрибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *кўчма* Ақл бовар қилмайдиган, ақлга сиғмайдиган нарса, иш. [*Одамлар*] *«Мирзачўл» аталмиш қадимий, бағри кенг саҳрода бирга қўл тутишиб.. афсоналарни ҳақиқатга айлантиришмоқда.* В. Абдуллаев, Қанотли орзулар.

АФСОНАВИЙ 1 Афсона жанрига мансуб бўлган, фантастик, *Афсонавий ҳикоя.*

2 Фақат афсоналарда мавжуд бўлган, оламда йўқ, хаёлий. *Зеби хола деярли ҳар куни туш кўради. Тушида Пўлатжон ҳали қандайдир афсонавий қуш тутиб олган, ҳали саман йўрға миниб, сув кечаётган бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 *кўчма* Уйдирма, тўқима. *Афсонавий гап.*

4 *кўчма* Ақл бовар қилмайдиган, ақлга сиғмайдиган. *Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улуғворлик бахш этиб, бир текис чувиллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

АФСОНАВОР *айн.* **афсонавий 4**. *Афсонавор дамлар билан келиб юзма-юз..* Отаёр, Оқ фасл.

АФСУН [*ф.* افسون – сеҳр, авраш, макр] Сеҳр, макр. *Бу қандай афсундир, бу қандайин куч, сени мендан айиролмаслар.* У. Абдуазимова, Ишқли умрим.

Афсун ўқимоқ Сеҳрловчи хатти-ҳаракат қилмоқ. *Тун ўрмалар ойнамда секин, Афсун ўқир ва аврар руҳим.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

АФСУНГАР Афсун билан сеҳрловчи. *Телепат қадимги ҳинд афсунгарини эслади.* «Ёшлик». *У соҳир ҳислардан кечди беомон, Афсунгар туйғулар бўлганлар ғойиб.* А. Орипов. Йиллар армони.

АФСУНГАРЛИК Афсун иши. *Бу афсунгарликнинг сири ҳақида анча тортишдик.* «Гулистон».

АФСУНКОР *айн.* **фусункор**.

АФСУНЛАМОҚ Сеҳр-жоду қилмоқ.

АФСУНЧИ *айн.* **афсунгар**.

АФСУС [*ф.* افسوس – надомат, пушаймон] **1** Ўкиниш, ачиниш туйғуси; пушаймон. *Қўрқувдан катта-катта очилган кўзларида афсус ва меҳрга ўхшаш бир ифода жонланди.* С. Зуннунова, Олов. *Надомат нимага ва афсус нечун? Оламда неки бор, ўчар бешафқат.* А. Орипов, Йиллар армони.

Афсус қилмоқ Пушаймон бўлмоқ, афсусланмоқ. *Пахта бригадасидан кетганингизга афсус қилмадингизми?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 *мод.с.* Нарса-ҳодисанинг хоҳиш-истакка зидлигини, сўзловчининг шундай муносабатини билдиради. *Бекор кетди, афсус, шунча уриниш.* А. Шер, Қадимги куй. *Биродарим билан топишдим-ку, деб ўйлаган эди, афсус, қувончига қор ёғди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбат.

АФСУСКИ 1 *айн.* **афсус 2**. *Бу образнинг прототипи ҳам бор эди, афсуски, бу ҳикоя тугалланмай қолди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

2 *боғл. взф.* Зидлаш, тўсиқсизлик маъносини билдиради. *Минг афсуски, у [шийпон] иккинчи уй бўла олади.* Газетадан. *Афсуски, сансалорлик одамларда ишончсизлик уйғотади.* Газетадан.

АФСУСЛАНМОҚ 1 Пушаймон қилмоқ, пушаймон емоқ. *Йўлчи ўз қишлоғидан келган одам билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашмаганига афсусланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дили оғримоқ; ўкинмоқ. *Афанди камбағаллигидан афсусланиб, ҳар кун кечалари нола қилар эди.* «Латифалар». *..нега бу воқеани бизга айтишмаган экан, деб афсусланар эди.* М. Мансуров, Ёмби.

АФТ 1 Одам бошининг олд қисми; юз, бет. *Сафар бўзчи бошини қашиб, яна махдумнинг афтига қараб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сорахон.. «шу тобда кириб нима қилар эди» дегандай қилиб, афтини буриштирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Юз кўриниши, қиёфа; турқ. *Ҳавонинг тафтига боқ, одамнинг афтига боқ.* Мақол. ▬ *Қодир бу одамнинг афтидан касб-корини белгилай олмади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Афти қурсин Нафрат, қарғишни ифодалайди. *..куйдиран калладай иржаяди, уялмайди ҳам! Афти қурсин.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

АФТ-АНГОР Юз кўриниши, қиёфа. *..дутор тарихини ҳикоя қилиб бериш чиндан ҳам азоб эканлиги унинг афт-ангоридан сезилиб турарди.* Газетадан.

АФТ-БАШАРА 1 Кишининг афти, башараси, афт-боши. *Афт-башараси хунук одам.* ▬ [*Каромат хола:*] *..ораларингизда оталиқдан келган вакил борми? Қани у, афти-башарасини бир кўриб, дийдорига бир тўйй! – деди.* М. Маҳмудов, Ҳайбаракаллачилар.

2 *кўчма* Кишининг ички дунёси, маънавий қиёфаси. *Афт-башарасини очиб ташламоқ.*

АФТ-БОШ *айн.* **афт-башара**. *Афт-боши тузуккина йигит.*

АФТИДАН *мод. с.* Тахмин билдиради; чамаси. *Афтидан, улар эндигина заводдан чиққан бўлса керак, бўёқ иси гупиллаб димоққа уриб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

АФТОДА [*ф.* افتاده – йиқилган, дармонсиз] *эск.* **1** Нотавон, ночор, абгор. *Эл бахтсиз эди афтода, Золимларни беомон кўрдим.* Миртемир.

2 Тушкунликка тушган, тушкун ҳолатли. *Ўтапнинг қистови билан ошга қолган Жўравой ота ҳамон ўй суриб ўтирган афтода қизига деди: -Ҳадеб ўй сура берма, Эъзоз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Хонавайронлар билур афтодаларни(нг) ҳолини.* Машраб.

АФТОДАҲОЛ *айн.* **афтода**. *У энди тамоман таслим бўлиб, афтодаҳол бир алпозда бошини эгиб ўтирарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Институтдан «ҳайдалган»идан бир ҳафтача кейин кутилмаганда уйимга афтодаҳол ҳофиз кириб келди.* Газетадан.

АФФЕКТ [*лот.* affectus – руҳий ҳаяжон, эҳтирос] Ташқи ёки ички таъсирлар туфайли тез пайдо бўлиб, қисқа муддатли, аксарият ҳолларда “портлаш” тарзида бўладиган кучли ҳиссий ҳолат.

АФФИКС [*лот.* affixus – бирлаштирилган, бириктирилган] *тлш.* Сўзга қўшилиб, янги сўз ёки сўз шаклини ҳосил қилувчи тил бирлиги. Мас., *-чи* (хизматчи), *-лар* (болалар).

АФЮН [*а.* افيون – қора дори] **1** Кўкнорнинг думбул бошоғидан олиб қуритилган шира (қора дори, таряк кўринишида, кайф қилиш учун, тиббиётда эса наркотик модда сифатида ишлатилади). *Афюннинг кайфи қурсин, домла, сизни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Киши онгини заҳарлайдиган нарсага нисбат берилади.

АФҒОН I **1** Афғонистоннинг туб аҳолисини ташкил этувчи халқ (миллат)нинг номи.

2 Шу халқ (миллат)га мансуб (шахс ва б.). *Афғон аёли. Афғон тили.*

Афғон рубоби Торли чолғу асбобларидан бирининг номи. *Замира афғон рубобини қўлига олди-да, «Қари наво»ни чалди.* Газетадан. **Афғон шамоли** Шимолий Афғонистонда ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида кузда эсадиган қуюнли шамол. *Икки кун афғон шамоли эсиб, кўз очиргани қўймади.* Газетадан.

АФҒОН II [*ф.* افغان – нола, йиғи] *кт.* Фарёд, нола. *Афғон чекмоқ.* ▬ *Субҳ чоғида магар чиққанда ёрим тўлғаниб. Гул ёқасин чок этар, булбулда афғон қўзғалур.* Ҳабибий.

АФҒОНИЙ 1 Афғонларга, афғон халқига оид, афғонча. *Афғоний ханжарингизни бераман деган эдингиз-а?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Афғонистоннинг асосий пул бирлиги.

АФҒОНЛАР Афғонистоннинг туб аҳолиси; афғон халқи.

АХБОР [*а.* اخبار – «хабар»нинг кўплиги] *кам қўлл.* Хабар; хабарлар; маълумот. *Ер ичида кўмилиб ётган ҳама* [ҳамма] *олтин, кумуш Юзага чиқди бари, боис анга ахбор, ўқув.* Ҳамза.

АХБОРОТ 1 Иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот. *Маж-*

лисда сўзга чиққан парламент қўмиталарининг раислари.. ахборот бердилар. Газетадан.

2 Радио эшиттириши, телевидение кўрсатувида махсус информацион дастурнинг номи. *Концерт, кино, «Ахборот» майли-я, спорту об-ҳаво маълумотигача.. кўради.* С. Нуров, Нарвон.

3 Вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. *Фанлар академиясининг ахбороти.*

АХБОРОТНОМА 1 Ёзма ахборот. *Биз ким имзо чекиб, ахборотнома битувчилар..* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Махсус нашрнинг номи. *Шўъба томонидан нашр этилаётган ахборотнома бизни Миср ҳаёти ва янгиликларидан хабардор қилиб турибди.* Газетадан.

АХИ(Й)РИ [*а.* اخير – поён; хотима] *с. т.* Ахир, охири, пировардида. *Ахийри октябрь ойи ҳам тугади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [*Фотима Қосимжонга:*] *Хўп, майли, бўлмаган нарсага ўзингизни ўзингиз қийнаб юрсангиз, ахийри уялиб қоларсиз.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *Бригадирлар эса тортишиб, баҳслашиб, ахири кўнишди.* С. Нуров, Нарвон.

АХИР I [*а.* اخير – сўнг, пировард] *рвш.* Охири, пировардида, ниҳоят. *Ахир бўлмади. Ахир кўнди.* ■ *Қазисан, қартасан, ахир зотингга тортасан! – деди кампир омборни қулфлаётиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

АХИР II *юкл.* Маънони кучайтиради, таъкидлайди. *-Низомиддинов, – деди раис ўрнидан туриб, – сиз одамларнинг вақтини олаётирсиз ахир.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Ахир театрни бир вақтлар бекорга «ибратхона» деб аташмаган.* Газетадан.

АХИРИ *қ.* **ахи(й)ри**.

АХЛАТ [*а.* اخلاط – ахлатлар] **1** Супуринди ва ташландилар, супуриш-сидириш натижасида тўпланган ифлос нарсалар. *Ҳовли юзи турли-турли ахлатлар билан булғанч, гўё йиллардан бери тозаланмаган, супурги кўрмагандек эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нажас, нажосат.

АХЛАТХОНА 1 Ахлат босиб ётган жой. *Мақбара ва масжид атрофидаги ахлатхонани тозалаш учун..* Газетадан.

АХЛОҚ [*а.* اخلاق – кишининг табиати] Муомала, хатти-ҳаракат одоби. *Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги.* Газетадан. *Раҳбар ахлоқидаги асосий нарса сўз ва иш бирлигини ўз фаолиятининг мазмуни деб билишдир.* «Фан ва турмуш».

АХЛОҚИЙ Ахлоқ-одобга оид. *Ахлоқий принциплар.* ■ *Бир вақтлар бу уйга онаси билан меҳмон бўлиб келган бир татар қизи русча бир ахлоқий романни унутиб қолдирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

АХЛОҚЛИ Яхши тарбия кўрган; одобли, хушахлоқ. *Ахлоқли бола. Ахлоқли қиз.* ■ *Қишлоқ аҳли ишчан, ахлоқли.* Шайхзода. *Врачлик касбини бажаришда ҳам ахлоқий омил ҳал қилувчи роль ўйнайди.* «Фан ва турмуш».

АХЛОҚСИЗ 1 Яхши тарбия кўрмаган, ахлоқ қоидаларига бўйсунмайдиган, интизомсиз. *Ахлоқсиз бола.*

2 Ахлоқи бузуқ, суюғоёқ, фосиқ.

3 Одоб-ахлоқдан ташқари, одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқадиган, одоб нормаларига хилоф, беадаб. *Ахлоқсиз хатти-ҳаракат. Ахлоқсиз гап.*

АХЛОҚСИЗЛИК 1 Ахлоқ қонун-қоидаларига хилоф иш, хатти-ҳаракат. *Салимхон синглиси билан номаълум, нотайин бир студент орасидаги алоқа муҳаббатдан, ўз тили билан айтганда, «ахлоқсизликдан» холи эканига қанча ишонса ҳам, миш-мишлар қўймади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

АХТА [*мўғ.*] Жинсий безлари, мояги олиб ташланган, бичилган. *Ахта от.* ■ *Бу ахта қул.. аянчли бир махлуқ эди.* Ойбек, Навоий. *Терга пишган сариқ ахта эринибгина қор кеча бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Ахта қилмоқ Бичмоқ. *Агар ўша жиронни ахта қиламан деб шу кўйга гирифтор бўлмаганимда..* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

АХТАЛАМОҚ Ахта қилмоқ, бичмоқ.

АХТАРМОҚ Топиш ҳаракатида бўлмоқ; қидирмоқ, изламоқ. *Қоронғида гугурт ахтармоқ. Ахтарган топар.* Мақол. ■ *Кишилар куч-қувватларини сотишга иш ахтариб, ер ахтариб, овқат, кийим-кечак ахтариб, ўз туғилган ерларидан чиқиб кетар эдилар.* П. Турсун. Ўқитувчи.

АХТАХОНА *эск. кам қўлл. айн.* **отхона**. *Ҳасанали.. қайта-қайта ахтахонага кириб, тўриқ йўрғанинг у ер-бу ерини супурар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЦЕТИЛЕН [*лот.* acetum – сирка] Углерод ва водороддан таркиб топган заҳарли, бадбўй ёнувчи газ.

АЦЕТОН [*лот.* acetum – сирка] Лак, портловчи модда, сунъий ипак ва ш. к. тайёрлашда эритувчи сифатида ишлатиладиган органик бирикма, рангсиз суюқлик.

АЧА *шв.* **1** Буви. *Охири она қизига насиҳат этди: -Исфарага бориб, ачамни кўриб келаман, деб отангдан рухсат ол.* «Ёшлик».

2 Катта буви (бувининг онаси).

3 Она, ойи. *Оқ сут берган ачам қолди.* «Тўлан ботир».

АЧАМБИТИ *қ.* **жағжағ**.

АЧИМОҚ 1 Микроорганизмлар таъсиридаги биокимёвий жараён натижасида ачимсиқ ҳид ёки маза ҳосил қилиб етилмоқ (лой, вино кабилар ҳақида). *Ачиган лой. Вино ачий бошлади.*

2 Шундай жараён натижасида айнимоқ, бузилмоқ. *Ачиган сут. Ачиган овқат.*

3 Жизиллаб оғримоқ; ачишмоқ. *Тутундан кўзим ачиди.* ▬ *Ғумай тиғида унинг қўли яна қийилди. Қон оқиб, бармоғи ачий бошлагандан кейин, рўмолчасига кафтини ўраб олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *кўчма* Аччиқ-тиззиқ гап қилмоқ.

Ачиб *(ёки* **ачиб-бижиб)** **ётибди** *с. т.* Жуда ҳам кўп, қалашиб, тиқилиб ётибди, ғиж-ғиж. *Бозорда картошка ачиб ётибди.* **Жони** *(ёки* **ичи, юраги)** **ачимоқ** Ниҳоятда куюнмоқ. *Ҳа, бўлмаса жонингиз ачиганими бу? Ерни белингиз қайишиб топганингизда, жонингиз ачир эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Офтоб ойим*] *Кумушни кўрган сайин, алланечук юраги ачир, жудолик кунларини асло тасаввур қилолмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аппон чолнинг Тиллага ичи ачиди.* «Ёшлик». **Мияси ачимоқ** 1) тўғри фикрлаш, эслаш қобилияти ёмонлашмоқ. *Қайдам, мен бир мияси ачиб қолган чолман, болам.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) мияси ғовлаб, гангиган ҳолда бўлмоқ. *Тожибой таажжубда қолиб, бошини лиқиллатди: Бир ўзингиз-а? Ёпирай! Миянгиз ачиб, юрагингиз тошиб кетмайдими?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Хамири ачимаган** *қ.* **хамир**. **Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган**. *қ.* **суюлмоқ**.

АЧИМСИҚ Ачиган нарсани эслатадиган, бир оз аччиқ (ҳид, таъм ҳақида). *Тезак, хом тери иси аралаш ачимсиқ, бадбўй ҳид димоғига урилди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

АЧИМТИР *шв. айн.* **ачимсиқ.** *Ипакдек майин, шилдироқ саҳифалардан ачимтир моғор ҳиди келарди***.** А. Кўчимов, Ҳалқа**.**

АЧИНАРЛИ 1 Ачиниш ҳиссини уйғотадиган. *Ачинарли қиёфа. Ачинарли ҳолат. Ачинарли аҳволга тушиб қолмоқ.* ▬ *Бурчакда ётган бола уйқусирабми ё совуқдан уйғонибми, ачинарли товуш билан «дада!» деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Афсус аралаш ранжиш ҳиссини уйғотадиган. *Энг ачинарлиси, байрамолди кунлари айрим пулпарастлар давлат транспорти ҳисобига бойиб қолишни касб қилиб олмоқдалар.* Газетадан.

АЧИНИШ 1 Ачинмоқ фл. ҳар.н. У *Мурзиннинг ҳолига ачинишни ҳам, қиз муҳаббатига сазовор бўлгани учун қувонишни ҳам билмасди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Раҳм, куюниш туйғуси. *Адолат ўзига нисбатан нафрат эмас, меҳр ва ачиниш сеза бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Шу бир оғиз сўзда меҳр, ҳурмат, ачиниш.. яна қандайдир туйғуларни ифодаловчи оҳанг борлигини мана энди англаб турибди Абдураҳмон.* «Ёшлик».

АЧИНМОҚ 1 Раҳм, куюниш ҳиссини туймоқ; куюнмоқ. *Иброҳим отанинг бу қадар тез ўзгариб, чўкиб қолганига Жумагул қаттиқ ачинди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Афсус аралаш ранжимоқ, хафа бўлмоқ, ўкинмоқ. *-Бу гапни бекор бошлаб қўйибман, – деб ачинди Қудрат.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шу пайт қадрдон дўстлари, мактабдошлари орасида бўлмаганига ачинди.* С. Аҳмад, Уфқ.

АЧИТМА Қатиқ, ачитқи каби нарсалар билан ачитилган, ачитиб тайёрланган. *Ачитма гўжа. Ачитма патир.*

АЧИТМОҚ 1 Ачимоқ фл. орт. н. *Тутун кўзни ачитди. Гўжа ачитмоқ.* ▬ *Ёз кунлари* [*Ўзбек ойим*] *айвоннинг тўрига ясланиб, Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодоққа, чўри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбеҳлабгина ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кучли изғирин, юзнинг терисини шилгандай, ачитади, қулоқларни кесади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Аччиқ гап қилмоқ. *Дўст ачитиб гапиради, душман – кулдириб.* Мақол. ▬ *-Тўғри айтасиз, мавлоно, – деди Ҳамза ачитиб.* К. Яшин, Ҳамза.

Жон(ни) ачитмоқ 1) *айн.* **жон(ни) қойитмоқ 2**; 2) жонини оғритмоқ. *Тун аёз, изғириқ ел тўрт тарафга югуриб, жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Мияни ачитмоқ** Бошни ғовлатмоқ, гангит-

моқ, миясини қоқиб қўлига бермоқ. [*Абдурасул:*] *«Янги одамни авраб, миясини ачитмасинлар, ўзим бориб, бошлаб чиқа қолай», дедим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Юракни ачитмоқ** Раҳмини келтирмоқ.

АЧИТҚИ Ачитма ҳосил қиладиган нарса; ивитқи, туруш, хуруш. *Ачитқи қўлга киритилди-ю, бироқ тайёрлаш усули ҳамон номаълум.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

АЧИШМОҚ 1 Ачиб, жизиллаб оғримоқ. *Ярам ачишяпти.* ▬ *-Бас, Ўроз, кўзимни кўр қилди тутун,— Йўлчи юм-юм ёш тўкиб, ачишган кўзларини ишқалаб, туртина-туртина, эшикни тепиб очди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У гоҳ қўлини қўлига ишқаларди, гоҳ тўхтамай чопарди, гоҳ ачишган.. юзларини сийпаларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Ичи ачишмоқ 1) қорин очлигидан ичи жизиллаб оғримоқ. [*Йўлчи*] *Қорни очганлигидан, ичи ачишиб, қандайдир беҳузурлик сезди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ачиниш, раҳм ҳиссини туймоқ. *Она ўғлининг аҳволига қараб, ичи ачишди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. **Юраги ачишмоқ** *айн.* **жони** (*ёки* **ичи**, **юраги**) **ачимоқ** *қ.* **ачимоқ**. *.. мана шу жафокаш хотиннинг ёши қайтганида ёлғиз қолаётганига юраги ачишарди.* С. Зуннунова, Олов.

АЧОМ: **ачом қилмоқ** *айн.* **ачомламоқ**.

АЧОМЛАМОҚ *бол. айн.* **қучоқламоқ**. *Раъно бувисининг «болагинамнинг болагинаси» деб эркалашларини, ачомлаб пешонасидан ўпишлари — яна аллақанақа одатларини қўмсарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

АЧЧИҚ 1 Таъми оғиз-тилни ачитадиган, ловиллатадиган. *Аччиқ гармдори.* ▬ *Фарғона водийсидан бошқа жойларга экиладиган турп негадир аччиқ таъм, тахир мазага эга бўлади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазанадлик.

Аччиқ чой Қуюқ дамланган чой. *..чол майингина кулиб қўйди ва хизмат қилаётганларга битта аччиқ чой олиб келишни буюрди.* Газетадан.

2 Нордон, тишни қамаштирадиган. *Аччиқ (донали) анор. Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашади.* Мақол.

3 Сезги аъзоларига қаттиқ таъсир қиладиган, ўювчи. *Аччиқ газ. Аччиқ тамаки. Аччиқ ҳид.* ▬ *Жиққа ҳўл ўтин ёлғиз «пирс-пирс» қилиб, аччиқ заҳар тутун бурқситиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Жазиллатадиган, жонни ачитадиган. *Далаларда кеч кузнинг аччиқ шамоли эса бошлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ташқарида шамол увуллар, аччиқ совуқ нақ баданни кесиб кетгудай эди.* Газетадан. *[Шербек] Тўриғини эгарлади. Ўзини эгар устига олар-олмас, отга аччиқ қамчи босди.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 *кўчма* Кишига қаттиқ тегадиган, кўнгилга озор берадиган; қаттиқ, нохуш. *Аччиқ истеҳзо. Аччиқ танқид. Ҳақ* сўз — *аччиқ сўз.* Мақол. ▬ *У ҳатто бу аччиқ таъналарни эшитмагандай.. сур бўлиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид.

Тили аччиқ Кишига қаттиқ тегадиган қилиб гапирадиган, гап билан узиб оладиган. *Элмуродга рота командири ёқмади: қалампир, тили аччиқ, ҳар гапни писанда қилгандай бураб гапиради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

6 *кўчма* Ғам-изтиробли; аламли. *Унинг аччиқ кўз ёшлари ҳар қандай одамга таъсир қилмасдан қолмасди.* «Ёшлик». *Чеки кўринмас бу сўқмоқ йўловчининг мадорини, наинки мадорини, жонини оладиган қисматдай аччиқ.* «Саодат».

7 *от* Қаҳр, жаҳл; зарда. *Ҳозир менинг аччиғим ҳам қаҳрим бор.* «Эрали ва Шерали». *Бобонгнинг аччиғи қурсин, ёмондир.* «Нурали».

Аччиғи бурнининг устида *(ёки* **учида**) Бекорга, сал нарсага жаҳли қистайверадиган одам ҳақида. -Ҳ*а, қизи тушмагур. Нафасини ҳам чиқармайди-я. Аччиғи ҳам бурнининг учида, — деди Муротали.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Аччиғи келмоқ** (ёки **чиқмоқ**, **қистамоқ)** Жаҳли қўзғамоқ. *Гўрўғлининг аччиғи келганини билиб.. Соқи ўрнидан турди.* «Маликаи айёр». *Хуршид аччиғи чиқди, деб ўйлади..* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Айтсам, яна аччиғингиз қистайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Аччиқ устида** Жаҳл қўзғаган пайтда. *Бас энди, аччиқ устида ҳар ким ҳар гапни айтади.* Ҳамза. **Аччиқ қилмоқ** Жаҳл қилмоқ, зарда қилмоқ. *Бир талатўпни сотиб олдинг, қаттиқ гапирдинг, деб аччиқ қилди.* «Маликаи айёр». **Жон аччиғида** Жаҳд-алам билан, жон-жаҳди билан. *От жон аччиғида олд оёқларини девор баравар кўтариб сапчиди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У* [*Ортиқ*] *сапчиб ўрнидан туриб.. жон аччиғида машина орқасига айланиб ўтиб, брезентни очиб ташлаб, ўриндиқлар тагини титкилай кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

8 *от* Қийинчилик, машаққат; ғам-ғусса, ғам-ҳасрат; азоб-уқубат. *Аччиқ билан чучукни тотган билур, узоқ билан яқинни юр-*

ган билур. Мақол. Б*ир аччиқнинг бир чучуги бор.* Мақол. ▬ *Турмушнинг аччиқларини тотиб кўрган.. қадимги батрак Абдурасул бу кунларда ўз муддаосининг амалга ошаётганини ҳис этар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АЧЧИҚЛАНМОҚ Жаҳли чиқмоқ, ғазабланмоқ. *Бегим, гарчи аччиқлансанг ҳам, айтишга мажбурман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тез аччиқланадиган, жиззаки ва қўпол одамларни милицияда хизмат қилишга йўл қўйиб бўлмайди.* Газетадан.

АЧЧИҚЛАШМОҚ Ўзаро қаттиқ-қурум гап қилишмоқ, хафалашмоқ. *Гулнор ўзи ким? Унинг туфайлидан дадам билан аччиқлашдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

АЧЧИҚМИЯ Бурчоқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик.

АЧЧИҚ-ТИЗЗИҚ Аччиқ-алам ифодали, жаҳл-зардали (гап-сўз, хатти-ҳаракат ҳақида). *Никоҳ куни ниманинг жўнидандир қуданг билан аччиқ-тиззиқ айтишибсан.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Шавкатнинг аяси билан дадаси бирпасда нари-бери бўлишиб, аччиқ-тиззиқ билан туриб кетишади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Эломонов хотинининг аччиқ-тиззиқ гапларига хийла кўникиб қолган эди.* М.М.Дўст, Истеъфо.

АЧЧИҚ-ТИРСИҚ *айн.* **аччиқ-тиззиқ**.

АЧЧИҚТОШ Алюминий, хром, темир сингари металларнинг сульфат кислота билан ўзаро таъсиридан ҳосил бўлган тузлар (кўн саноатида ва тиббиётда қўлланади). *Бир куни дошқозонда аччиқтош сувига каҳрабони солиб қайнатаётган эди, саройдан фаррош келиб: -Зоти олийлари сизни чорлаётирлар, — деди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

АЧЧИҚ-ЧУЧУК I Дунёнинг, ҳаётнинг лаззати ва ғам-ташвишлари. *Бу икки тенгқур бир кўрпада катта бўлишган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини баравар тотиб кўришган.* «Ёшлик».

АЧЧИҚ-ЧУЧУК II Тўғралган помидор ва пиёздан тайёрланадиган совуқ таом. *Чорпояда оёқ узатиб, ўн чоғли киши чой ичар, бирови аччиқ-чучук тайёрлаб, бирови турп майдаларди.* С. Нуров, Нарвон.

АШАДДИ(Й) [*а.* اشدّ — энг қаттиқ, энг кучли] Ўта даражада. *Ашаддий фирибгар. Ашаддий юлғич. Ашаддий безори.* ▬ *Энг ашаддий душмани Зебихон эди; энг яқин ўртоғи Зебихон бўлиб қолди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Япониялликларнинг ашаддий коллекционер эканлиги кўпчиликка яхши маълум.* Газетадан.

АШЁ [*а.* اشیا — буюмлар, нарсалар] *кт.* Нарса, буюм (асосан бирор нарсага қарашли, оид нарса-буюмларни билдиради). *Уй-рўзғор ашёлари.* ▬ *Котиб.. ёзув ашёлари турган.. курси олдида тиз чўкди.* Ойбек, Навоий. *Текширув чоғида машина пешона ойнаси.. олчаранг бўёқнинг кўчма бўлаклари далилий ашё сифатида олинди.* Газетадан.

Хом ашё, **хомашё** Ишлаб чиқаришда маҳсулотлар тайёрлаш учун қўлланадиган (фойдаланиладиган) нарса. Масалан, пахта тўқимачилик саноати учун хомашё ҳисобланади. *Хом ашё сотиб олиш ҳажмлари анча ўсди.* Газетадан.

АШЁВИЙ: **ашёвий далил** Далил бўладиган нарса, буюм. *У марҳум калтакланган жойни кўрсатиб беради. Балки ашёвий далиллар топилиб қолар.* «Ёшлик».

АШИР 1: **ашир ойи** с. *т. айн.* **муҳаррам ойи** *қ.* **муҳаррам**.

2 Ашир (эркаклар исми).

АШК [*ф.* اشک — кўз ёши] *эск. кт.* **1** Кўз ёши, ёш. *Оҳим била эшикда ўт, ашким била девор нам.* А. Навоий. *Булут бағрин ой ҳажри гўё сўкар, Недин йўқса ашкини юммай тўкар.* А. Навоий.

АШРАФ [*а.* اشرف — энг шарафли, энг олижаноб, энг улуғ] *эск. кт.* Иззат-обрўли, улуғ. *Ўзи давлатманд бир киши, Тошкент ашрафларининг кўплари билан алоқадор бўлганликдан, балки отангиз билан таниш чиқар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АШТАК *шв.* Аштак-паштак.

АШТАК-ПАШТАК Данагини ажратиб олиб, ўрнига мағиз солиб қуритилган ўрик, мағизли туршак.

АШТАРХОНИЙЛАР Шайбонийлар сулоласидан сўнг 1601-1757 йилларда Мовароуннаҳрни идора қилган сулола.

АШУЛА Якка хонанда, гуруҳ ёки хор ижро этадиган, куй басталанган (куйга солинган) асар ва унинг ижроси; қўшиқ. *Ўзбек халқ ашулалари. Ашула овози эшитилди.* ▬ *Гуландом.. дуторни чертиб, енгил, шўх ашулани бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Домла чапак чалибди, ашулага қўшилибди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Ичкаридан болаларнинг ашуласи билан музика эшитиларди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

Эски ашула Эски гап, кўп айтилган гап. *Бу гал [Ҳожи] Ўзбек ойимнннг ўша эски ашуласини.. тўзимсизлик билан кутар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АШУЛАЧИ Ашула айтувчи, хонанда. *Кўнғиз мўйловли, гавдаси бузуқ ашулачи ўрнидан туриб, торини черта бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

АШША *бол.* Ош, иссиқ овқат.

АШЪОР [*а.* اشعار – шеърлар] *эск. кт.* Шеър; шеърлар, байтлар. [*Навоий*] *Форсий ашъорда «Фоний», туркий ашъорда «Навоий» тахаллусини қўллаган.* Ойбек, Навоий.

АШҚОЛ-ДАШҚОЛ *с. т.* Рўзғорда ёки бирор касб-корликда керак бўладиган нарсалар, буюмлар; қақир-қуқур, лаш-луш. *Тўртинчи аравада чодирлар, кўрпа-тўшаклар, жўнаб кетаётганларнинг ашқол-дашқоллари.* С. Анорбоев, Оқсой.

АЪЁН [*а.* اعيان – улуғлар, таниқли кишилар] *эск. кт.* Энг юқори қатламга мансуб, ҳукмдорга яқин турган, баланд мартабали кишилар; амалдорлар. *Қандайдир бир хаёл ичида ўтирувчи бу йигит Тошкентнинг машҳур аъёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли – Отабек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЪЗАМ [*а.* اعظم – энг катта, энг буюк] **1** *эск. кт.* Улуғ, буюк.

Вазир(и) аъзам *тар.* Бош вазир. *Вазир аъзам подшога қуллуқ қилиб.. жарчи жўнатди.* «Эртаклар».

2 Аъзам (эркаклар исми).

АЪЗО [*а.* اعضا – узвлар, қисмлар] **1** Одам ёки ҳайвон организмининг муайян бир вазифани бажарувчи қисми. *Сезги аъзолари. Ички аъзолар.* ▬ *Ҳар бир аъзоси қақшаб оғрирди.* «Шарқ юлдузи».

2 Кишининг бутун вужуди; бадан, тана. *-Сиз нима жавоб бердингиз? – деди бутун аъзосини титроқ босган Гулсумбиби қичқириб.* Ойбек, Танланган асарлар.

Аъзойи бадан Бутун аъзо, бутун вужуд. *Ота уйига етиб борганида ҳам аъзойи баданидаги қалтироқ босилмади.* С. Нуров, Нарвон.

3 Бирор гуруҳ, ҳудуд ва ш.к.да яшовчи, унга мансуб шахс. *Оила аъзоси. Маҳалла аъзолари.*

4 Бирор гуруҳ, кенгаш, жамоа, жамият ва ш. к.га расмий қабул қилинган, сайланган, унда фаолият кўрсатувчи шахс, жамият, мамлакат ва ш. к. лар. *Партия аъзоси. Кенгаш аъзоси.* ▬ *Гуруҳ аъзолари қидирув ишларини мой томчиси изидан бошлашга қарор қилишди.* Газетадан. *Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли бир аъзосига айланган Ўзбекистон ҳеч қачон уруш тарафдори эмас ва у тинчлик учун курашда мудом иштирок этаверади.* Газетадан.

АЪЗОЛИК Аъзо ҳолати; мансублик. *Партия аъзолиги. Аъзолик взноси. Аъзолик ҳақи.*

АЪЛАМ [*а.* اعلم – энг билағон, энг доно] *эск. дин.* **1** Шариат қонунлари билимдони.

2 Шариат қонун-қоидалари юзасидан берилган фатвони тасдиқ ёки рад этувчи диний арбоб; бош муфти. *Маросимга етиб келган қози, мингбоши, аълам, муфти, домла-имомларга ўз мартабаларига қараб «аъло», «авсат» чопонлар кийдирилмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ҳасан ака пулни бераверса, аълам чиқиб ўлчаб, васиқасини қилиб бераверади.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

Валлоҳи аълам *қ.* **валло(ҳи).**

3 Аълам (эркаклар исми).

АЪЛО [*а.* علی – энг юқори; буюк] **1** Сифати, фазилати ва ш.к. жиҳатидан энг юқори; асил. *Корхонадан ҳар куни 28 тонна аъло сифатли маҳсулот олинмоқда.* Газетадан. *Мактабда Сатторни ҳамма яхши кўрарди: зеҳнли, ўқишда ҳам, хулқда ҳам аъло бола эди.* Ў. Усмонов, Қисмат.

2 Ўқув юртларида: беш балли тизимда энг юқори баҳо. *Хўп, ҳозир кўрамиз.. «Яхши!».. «Ўрта».. «Ўрта».. Қани «аъло»? Русчадан нима учун «яхши»?* А. Қаҳҳор. Айб кимда?

3 Аъло (эркаклар ва аёллар исми).

Арш(и) аъло *қ.* **арш** I **1**.

АЪЛОЧИ **1** Аъло баҳога ўқувчи. *-Икковимиз ҳам бир институтда ўқидик. У [Муҳаррам] ҳам аълочи эди, – деди Элмурод.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Ўз ишини, вазифасини аъло даражада бажарувчи ёки фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи. *Аълочи бригада. Аълочи сотувчи. Корхона аълочиси.*

АЪМО [*а.* اعما – кўр] *эск. кт.* Кўзи ожиз, кўр. *Тўғриликдан юрса аъмоларга йўл бошлар таёғ.* Ҳабибий. *Оқил бўлур аъмолар, пул ўлсина, пул ўлсин.* Воқиф.

АЪМОЛ [*а.* اعمال – амаллар, ишлар] *эск. кт.* Қилинган ёки қилинадиган иш(лар); амал. *Бу ҳолни, айниқса, муборак Рамазон ойи муносабати билан ўтказиладиган маърифий аъмоллардан ҳам билиш мумкин.* Газетадан.

Номаи аъмол *қ.* **нома.**

АЪРОФ [*а.* اعراف – аросат, ўрталик – Қуръонда таърифланган жаннат билан дўзах орасидаги жой]*:* **аърофда қолган** Аро йўлда

қолган; на у ёқли, на бу ёқли бўлган; икки жаҳон овораси бўлиб қолган.

АЭРО I *с.т. айн.* **самолёт**. *Автолардан қолиб юраман. Аэролардан қолиб юраман, Хаёлимда олиб юраман, Сени кўргим келаверади.* У. Абдуазимова, Ишқли умрим.

АЭРО- II [*юн.* aer – ҳаво] Ўзлашма қўшма сўзлар таркибида сўз ясовчи сифатида қатнашади ва «авиация», «ҳаво» сўзларига алоқадорликни билдиради: *аэропорт, аэросъёмка, аэродинамика* ва б.

АЭРОБИКА *қ.* **ритмик гимнастика**.

АЭРОВОКЗАЛ [аэро.. + вокзал] Аэропортларда ҳаво транспорти йўловчиларига хизмат кўрсатиладиган бино ёки бинолар мажмуи.

АЭРОДИНАМИК Аэродинамикага оид. *Аэродинамик лаборатория.*

АЭРОДИНАМИКА [аэро.. + динамика] Ҳаво ва газларнинг ҳаракатини ҳамда уларнинг қаттиқ жисмлар ҳаракатига кўрсатадиган таъсирини ўрганадиган фан.

АЭРОДРОМ [аэро.. + *юн.* dromos – югуриш, югуриш жойи] Учиш аппаратларининг туриши, учиб кетиши, қўниши учун керакли барча иншоотлари бўлган кенг майдон.

АЭРОКЛУБ [аэро.. + *ингл.* club] Авиация ҳаваскорларининг клуби, авиация билан шуғулланувчиларнинг оммавий ташкилоти.

АЭРОМЕХАНИКА [аэро.. + механика] Механиканинг газлар мувозанати ва ҳаракатини ўрганадиган бўлими.

АЭРОНАВИГАЦИЯ [аэро.. + *лот.* navigatio – кемада сузиш] Учиш аппаратларини тегишли асбоб ва воситалар ёрдамида белгиланган йўлдан олиб бориш ҳақидаги фан; ҳаво навигацияси.

АЭРОПЛАН *эск. айн.* **самолёт**.

АЭРОПОРТ [аэро.. + *фр.* port] Ҳаво линияси трассасида жойлашган ва транспорт авиациясининг мунтазам қатновини таъминлаб туриш учун керакли иншоотлар билан жиҳозланган аэродром.

АЭРОСТАТ [аэро.. + *юн.* states – қўзғалмас] Ҳаводан енгил учиш аппарати; ҳаво шари.

АЭРОСТАТИКА Ҳаво ва газларнинг мувозанат қонунлари ҳақидаги фан.

АЭРОСЪЁМКА *айн.* **аэрофотосъёмка**.

АЭРОТЕРАПИЯ [аэро.. + *юн.* therapeia – даволаш] Организмни чиниқтириш ва даволаш мақсадида очиқ ҳаводан фойдаланиш усули.

АЭРОФЛОТ Ҳаво флоти, учиш аппаратлари мажмуи, авиация.

АЭРОФОТОСЪЁМКА, аэрофотосуратга олиш Учиш аппаратларидан туриб, Ер ва ундаги нарсалар суратини олиш; шу усулда олинган сурат.

АЭРОЧАНА Моторли паррак воситаси билан юрадиган чана.

АЮҲАННОС *қ.* **айюҳаннос**.

АЯ *шв.* **1** Она, ойи. [*Мирзакаримбой:*] *Қалай, онанг бақувватми?* [*Йўлчи:*] *Аям, шукур, соғ-саломат.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тарбиячи аёл, мураббия. *Аяга битта аччиқ чой қилиб беринг, қизим.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Ҳурмат юзасидан аёллар номига қўшиб айтилади ёки аёллар номининг таркибий қисмини ташкил этади. *Эртага азонлаб далага чиқиш кераклигини эслаб, Дилдор айвонга Малика ая учун ҳам жой қилиб, чироқни ўчирмай ётди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Ўзидан катта аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилишда ишлатилади. [*Хонзода Ғофирга:*] *Белингда белбоғинг борми? Қандай шарманда, худо урган эркаксан?* [*Ғофир:*] *Ая! Ҳақорат қилманг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

АЯМАЖИЗ с. *т. айн.* **айём(и) ажуз** *қ.* **айём.** *Бирдан аямажизнинг «ҳўкиз ўлдирар» изғирини бошланди.* С. Нуров, Нарвон.

АЯМОҚ 1 Раҳм-шафқат қилмоқ, раҳмдиллик қилмоқ. *Аямасдан урмоқ. Аямасдан танқид қилмоқ. Ёвни аяган яра ер.* Мақол. ▬ *Девларни аяманг, ўлдиринг, Заргар..* «Маликаи айёр». *Зулфия опа.. муғамбир ва алдоқчини ва айниқса айёр одамни ёмон кўради, аямайди.* «Саодат».

2 Эҳтиёт ҳолда тутмоқ, эҳтиётлик билан муносабатда бўлмоқ. *Аяган кўзга чўп тушар.* Мақол. ▬ *Баъзи ота-оналар болаларини аяган бўладилар-да, уларни ҳаёт учун яроқсиз, жисмоний заиф қилиб қўяётганларини билмай қоладилар.* С. Зуннунова, Олов.

3 Дариғ тутмоқ, ҳайф кўрмоқ; қизғанмоқ. *У мендан ҳеч нарсани аямайди.* ▬ *Маънавиятни мустаҳкамлашга меҳнат ва маблағни аямоқ ўзини келажакдан маҳрум қилиш демакдир.* Газетадан. [*Инсоф-диёнатли одам*] *..қўли калталардан мурувватини аямайди.* Газетадан. *Меҳнатингни аямасанг, сув бўлса, ўзинг ҳам, молинг ҳам тўқ.* С. Сиёев, Ёруғлик.

АЯНЧ *кам қўлл. айн.* **аянчли**. *Ғуломжон Матқовулнинг аянч аҳволига.. қараб, юраги*

эзилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ғалати, ювош, мулойим, беозор ва аянч назар билан Зебига қаради.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

АЯНЧЛИ Алам-изтироб акс этувчи ҳолатли, ачиниш ҳисси уйғотадиган. *Дунёда ҳамма нарсадан мосуво бўлган бу аёлнинг ҳозирги аҳволи жуда аянчли эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

АҚАЛЛИ [*а.* اقل – энг оз, жуда кам] *юкл.* **1** Жуда бўлмаганда, ҳеч бўлмаса. *Ақалли бу ерда, меҳмонга келган жойида дам олса, нима қилар эди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

2 Таъкид билдиради; ҳатто. *Нигоранинг бепарвогина қайтарган жавоби, юзида ақалли қитдай ҳам ўзгариш сезилмагани Хўжабековнинг ғазабини қайнатди.* С. Анорбоев, Оқсой.

АҚИДА [*а.* عقيده – эътиқод, ишонч; тушунча] *кт.* **1** Эътиқод қилинадиган нарса, хатти-ҳаракат, у ҳақдаги гап; тушунча. *Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим.* Газетадан. *Ҳақиқат қиёсда очилади, деган машҳур ақида бор.* Газетадан.

2 Ҳақиқатга зид, кўр-кўрона қабул қилинган фикр, қоида. *Фақат шуни таъкидлайманки, халқчиллик ва ҳаққонийлик, адолат ва виждонийликка хизмат қилиш, инсонга садоқат адабиётнинг кеча тўқиб чиқарилган ақидалари эмас.* Газетадан. *Биз яқин кунларгача, тез орада жаннатмакон – коммунизмда яшаймиз, деган ақидага ишониб яшар эдик.* «Саодат».

2 Ақида (хотин-қизлар исми).

АҚИДАВИЙ Ақидага (ақидаларга) оид. *Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит нафақат мусулмончиликдаги энг йирик мазҳаб – ҳанафийлик таълимоти, балки умуман исломнинг ақидавий асосларини шакллантиришга қўшган беназир ҳиссаси учун Имом Аъзам (энг буюк имом) деган фахрли унвонга сазовор бўлган тарихий шахсдир.* Газетадан.

АҚИДАПАРАСТ Ақидаларга кўр-кўрона ишонувчи, ақидаларга ёпишиб олган шахс. *..ваҳҳобийлик кўринишидаги ақидапарастлар халқни қўрқувга солиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар содир этдилар.* Газетадан.

АҚИДАПАРАСТЛИК Ақидапарастга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Улар диний ақидапарастлик билан ниқобланган кимсалардир, асл ниятлари эса юртга эга бўлиб, халқимизни асрий қуллик ва жоҳилия замонларига қайтаришдир.* Газетадан.

АҚИРМОҚ *шв.* Бўкирмоқ (йиртқич ҳайвонлар ҳақида). *Айиқдай бўлиб ақирди.* ▬ *Тоғда ақирган шердай бўлиб.* «Маликаи айёр».

АҚИҚ [*а.* عقيق – қизил рангли қимматбаҳо тош] **1** *от* Турли рангли қимматбаҳо тош; ҳақиқ (зеб-зийнат буюмларига ишлатилади). *Қозикалон сандиқларни очиб кўрсатди: баъзисида олмос, ёқут, ақиқ, зумрад ва марварид.. баъзиларида зеб-зийнатлар тўла эди.* С. Айний, Дохунда.

2 *кўчма сфт.* Шу тош рангига ўхшаш рангли. *Холингга маҳлиё кўр, кўргач ақиқ лабингни.* Ш. Шомуҳамедов, Одам борки.

АҚИҚА [*а.* عقيقه – ярим қимматбаҳо тош; чақалоқ сочини олиш; қурбонлик қилиш] Оилада «янги меҳмон», яъни чақалоқ дунёга келганлиги муносабати билан унинг туғилганига 7 ёки 14 ёхуд 21 кун бўлганда ўтказиладиган зиёфат, маросим. [*Имом*] *Китобларда фарзанднинг отага бир неча ҳаққи бор деганлар: ..агар бола ўғил бўлса, икки қўй сўйиб, агар қиз бўлса, бир қўй сўйиб, туғилган кунининг еттисида ақиқа қилиши фарз.* С. Айний, Дохунда.

АҚЛ [*а.* عقل – эс, ҳуш] **1** Инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка муносабатини бошқариб турадиган фаолияти; фикрлаш қобилияти. *Жонзотлар ичида биргина одамзотга ақл ато этиб, юрагига диёнатни жойлабди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

Ақлдан озмоқ Фикрлаш қобилиятини йўқотмоқ, эс-ҳушидан айрилмоқ. *Биринчи қадаҳ чанқоқни босиш учун, иккинчиси – хурсандчилик, учинчиси – кайф қилиб ҳузурланиш, тўртинчиси эса ақлдан озиш учун ичилади.* Газетадан.

2 Фикрлаш қобилиятининг амали; фаҳм-идрок, зеҳн. *Ақлинг билан кўр, кўз алдайди.* Мақол. ▬ *Қайси вазирим ақли зийрак, донишмандлигини билдирса, хазинамдан ўн тилло ва бош-оёқ сарпо бераман.* «Луқмони Ҳаким».

Ақл бовар қилмаслик, ақлга сиғмаслик Тасаввурга сиғмаслик, тасаввур эта олмаслик. *Нурлан ақл бовар қилмайдиган ҳикоясини базўр тамомлади.* Газетадан. **Ақлдан адашмоқ** *ёки* **ақлини йўқотмоқ, ақлини емоқ, ақли кетмоқ**. Тўғри фикр-мулоҳаза юритиш, тўғри

идрок этиш ҳолатини йўқотмоқ, эс-ҳушини йўқотмоқ. *..Қизнинг чиройлилигига баззоз бола беҳуш бўлиб, ақлдан адашиб ётиб қолибди..* «Луқмони Ҳаким». *«Яхши кўрганда, қизлар ақлини йўқотиб қўяди», дейишади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Қани, жўна ҳамманг ҳам, ақлинг ебсан, ёр-ёр.* У. Исмоилов. *Бобо, хафа қилдинг мендай ўғлингни, Ақлинг кетиб, бобо, сенга не бўлди.* «Нурали». **Ақлдан эмас** Ақл юритиб қилинган тўғри иш эмас. *Гиёҳвандлик билан кураш йўлида табиатни хонавайрон қилиш ақлдан эмас.* «Саодат». **Ақли етмоқ** Тўғри идрок этмоқ, моҳиятини тушунмоқ. **Ақл кирмоқ** (*ёки* **битмоқ**) Ақл билан иш тутадиган бўлмоқ, эс-ҳушини йиғиб олмоқ. *Қачон сенга ақл киради?!* Сўзлашувдан. **Ақлни олмоқ** Эс-ҳушини оғдирмоқ, маҳлиё қилмоқ. *Кийгани гулгун қирмизи, Ақлингни олар жоду кўзи.* «Маликаи айёр». **Ақлини танимоқ** Ақл билан иш тутадиган бўлмоқ, шундай ёшга етмоқ. *Инсон туғилиб, ақлини таниган кунданоқ теварак-атрофни ўраб турган борлиқ.. ҳақида ўйлай бошлайди.* Газетадан. **Ақл тиш** *қ.* **тиш. Ақл ўргатмоқ** Панд-насиҳат, ўгит, йўл-йўриқ тарзидаги фикр-мулоҳаза айтмоқ. *Биров қоқилганда, ақл ўргатувчилар, тафтишчилар кўпаяди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 Мулоҳаза, маслаҳат тарзидаги фикр. *Кўпдан кўп ақл чиқар.* Мақол. ▬ *Энди меним ақлим шуким, ўшал кандидатингиз томонига ўтганларни қўлга олиш учун Нурмат акамнинг ҳовлисига чақириб, бир оз зиёфатча билан кўнгилларини топиб.. шояд қўлга олиб қолармиз.* Ҳамза, Бурунги сайловлар.

АҚЛАН *кам қўлл.* **1** Ақлий жиҳатдан. *Асадбек, фақат жисман эмас, ақлан ҳам оқсоқ бўлганлар валдираганида жим ўтиролмасди.* Т. Малик, Шайтанат.

2 Ақл билан. *Маданиятли инсон ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўзини йўқотмайди, ақлан йўл топиб, мушкулини осон қилишга интилади.* Газетадан.

АҚЛИЙ Ақл-идрок фаолиятига оид, фикр юритиш билан боғлиқ. *Ақлий меҳнат.* ▬ *Ўлимигача бемор ақлий қобилиятини тўлиқ сақлаб қолганди.* Газетадан.

АҚЛЛАШМОҚ Фикрлашмоқ; муҳокама қилмоқ; маслаҳатлашмоқ. *Ётиғи билан айтинг, афандим, ўзи нима гап? Ўртага ташланг! Ақллашайлик.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Сизлар ақллашиб, қаерда Ғанибоп келин борлигини билиб, рўйхат қилинглар.* С. Аҳмад, Юлдуз.

АҚЛЛИ 1 Ақли расо; мияли. *Ақлли бола. Ақлли йигит. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз — дўстини.* Мақол. ▬ *Муаллим ўрта яшар, ақлли, ёшларга меҳрибон киши эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ақлли кишиларнинг садағаси кетсанг ҳам арзийди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ақл билан вужудга келган; фаҳм-фаросатдан, билимдонликдан далолат берадиган. *Ақлли тадбир. Ақлли иш.* ▬ *Унинг* [*Давлатёрнинг*] *баъзан лўнда ва ақлли гапларини эшитганда, Элмурод ҳузур қиларди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Зийрак, фаҳмли, ҳушёр (ҳайвон ва қушлар ҳақида). *Ақлли ит.* ▬ *Даврага эълончи чиқиб: -Ҳов, яхшилар, ҳозир биз сизларга номерларни: ақлли отлар ўйинини.. кўрсатамиз, — деди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

АҚЛЛИЛИК Ақл билан иш тутиш, ақлли хатти-ҳаракат. *Сукут сақлаш ҳамма вақт ҳам ақллиликдан дарак беравермайди.* Мирмуҳсин, Умид.

АҚЛСИЗ 1 Ақли йўқ, беақл. *Мусулмонқул.. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни* [*Худоёрни*] *хон кўтариб, эл елкасига минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ақл ишлатмасдан қилинган, аҳмоқона. *-Бундоқ ақлсиз ишларни қўяйлик, хотин! — деб мулойимона сўзлаб кетди* [*Ҳожи*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АҚЛ-ҲУШ, ақлу ҳуш Эс-ҳуш, фаҳм-идрок, фаросат. *Элмурод хаёл ичида аста-секин одимлар экан, гапирди: -Ўзининг ақлиҳуши жойидами? Кўринишидан ёмонга ўхшамайди-а, ўзи!?* П. Турсун, Ўқитувчи.

АҚОИД [*а.* عقایق — ақидалар, қоидалар] *кам қўлл.* Эътиқод қилинадиган нарсалар. *«Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган ҳикматнинг яшовчанлигида ҳам айнан диний ақоид ва одобнинг хизмати бор.* Газетадан.

АҚРАБ [*а.* عقرب — чаён] **1** (А — *катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири; Мезон ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган (*қ.* **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида саккизинчи ойнинг арабча номи (22 октябрь — 21 ноябрь кунларига тўғри келади). *Ёзга пайров куз эди, қишга ҳам баҳор, Ҳамал гулга ёр эди, ақрабга ҳам қор.* Шайхзода.

АҚРАБО [*а.* اقربا — яқинлар] *эск. кт.* Яқинлар, ёр-биродарлар, ёр-дўстлар. *Оҳким, ҳолимни сўрмас ошнолардин бири, Ошнолар, балки ҳешу ақраболардин бири.* Муқимий.

АҚЧА *эск.айн.* **пул**. [*Ҳусайн:*] *Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса, юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда бераман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

АҒАНАМОҚ 1 Ётган ҳолда у ёни, бу ёнига ағдарилмоқ, юмаламоқ. *От ағанаган жойда юнги қолади.* Мақол. ▬ *Ҳар кун шомдан тортиб азонгача ётган жойида у ёқ-бу ёққа ағанаб, ўй ўйлайди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Қўчқор устма-уст икки дўппи сув ичиб, ўзини ажриққа отди, худди ёш боладай ағанаб ўйнаркан, хушнуд қичқирди..* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Қуламоқ, ағдарилмоқ. *Арава ағанади. Машина ағанади. Нодира турган жойидан диванга ағанаб тушди.*

АҒДАРМА 1 Ичи сиртига, ости устига ағдарилган. *Ағдарма чакмон.*

Ағдарма этик Хом теридан ичи сиртига қилиб тикилган этик. *Йигитнинг уст-боши, ёмғирда ивиб кетган ағдарма этиги қўнжигача лой эди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

2 Юкини ўзи ағдарадиган. *Ағдарма арава.*

АҒДАРМОҚ 1 Тикка ҳолатдан ётқизмоқ; йиқитмоқ. *Бирлашган тоғни ағдаради.* Мақол. ▬ *Оқсой қирғоқлардан ошиб-тошади. Кўкка бўй чўзган, мағрур дарахтларни ағдариб, арзимаган бир хасдай оқизади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тепадан пастга қулатмоқ. *Отдан ағдармоқ.* ▬ *Қақвон шаҳрининг шоҳини шоҳи Аббос дер эди.. Аббосни филдан ағдарди.* "Нурали".

3 Идишни тўнкариб, ундаги нарсани бўшатмоқ; қуймоқ, тўкмоқ. *Косадаги сутни тоғорага ағдармоқ. Кўмирни ерга ағдармоқ. Қопдаги картошкани ўрага ағдармоқ.*

4 Остини устига қилмоқ, ичини сиртига, бир томонини иккинчи томонига айлантирмоқ. *Ерни ағдармоқ. Лойни ағдармоқ. Хирмонда пахтани ағдармоқ.* ▬ *Муюлишда ётган оқ қоғоз Муроджоннинг диққатини тортди ва олиб ағдариб кўрди.* Газетадан.

5 *кўчма* Ҳокимият тепасидан ёки юқори мансабдан туширмоқ; олиб ташламоқ. *У* [*Йўлчи*] *деди: ..жамики меҳнаткашлар яктан бўлиб чиқса, бойларни ва қонхўр Николайни ағдариб ташлаши аниқ гап.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 *кўчма* Йўқ қилмоқ, барҳам бермоқ. [*Қорабулоқликлар*] *Елкаларида эзиб келган қора қашшоқликни ағдариб ташлаш умидида шод ва хуррам бўлиб борадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

7 *кўчма* Айб, жиноят ва ш. к.ни тақамоқ. *Салим ҳам бутун айбни Йўлчига ағдариб, ўзини қуруққа тортди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Домла унга бўҳтон ағдариб чиққанини фаҳмлаб, ҳақиқатни айтмаса бўлмаслигига жазм этди.* Мирмуҳсин, Умид.

Астар-аврасини ағдармоқ *айн.* **авра-астарини ағдармоқ.** *қ.* **авра-астар. Йил ағдармоқ** Мучал йил ҳисобидан фойдаланиб, туғилган йилини аниқламоқ. **Кўнгилни ағдармоқ** Кўнгилни оздирмоқ. **Ўзига ағдармоқ** 1) ўз томонига ўтказмоқ, ўзига тортмоқ, жалб қилмоқ; 2) ўзлаштирмоқ. *Гапиринг, Абдишукур, жуҳуднинг пулини қандай қилиб ўзимизга ағдарамиз?* Ойбек, Танланган асарлар.

АҒДАР-ТЎНТАР Алғов-далғов, бетинч ва бетартиб. *Пул деб оқар дарёлар, пул ўлсин-а, пул ўлсин, Ағдар-тўнтар дунёлар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.* Воқиф.

Ағдар-тўнтар қилмоқ 1) остин-устин қилмоқ, бутунлай бетартиб қилиб ташламоқ; 2) обдан ковлаштирмоқ, синчиклаб текширмоқ, ахтармоқ, тинтимоқ. -*Орлов мелисалари* [*милициялари*] *билан ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилаётибди, — деди Ғани ота.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

АҒЁР [*а.* اغيار – бегоналар; рақиблар] *эск. кт.* **1** Ўзгалар, бегоналар. *Ағёрларга лутф ила эҳсон қачонгача?* Муқимий.

2 Рақиб; рақиблар. *Билмам, на гуноҳим бор, олмайди хабар бир йўл? Ё рашк ила ағёрим бегона қилиб кетди.* Ҳамза. *Жўралари ташлаб кетган, Ағёр тиғи кўксига ботган.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

АҒНАМОҚ *айн.* **ағанамоқ.** *Бектемир пулемёт ёнида ағнаб ётган душманга тикилиб, кейин милтиғини ҳавода силкиб, ўртоқларига ишора қилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

АҒРАЙМОҚ *айн.* **анграймоқ.** *Баширжон тили сўзга келмай, «қиёматли» укасига анча вақт ағрайиб турди, ниҳоят, зўрма-зўраки жилмайгандек бўлди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Фотима опа эшикдан кириб келаётган Умидни кўриб, аввал ағрайиб қолди. Кейин қовоғини солиб, ерга қаради.* Мирмуҳсин, Умид.

АҲ *унд. с.* Қўрқув, ҳаяжон ёки севинч, ғазаб туйғуларини ифодалайди. -*Тезроқ келинг, Ҳомид ака. Отабекни ўлдирдик! — деди*

шошиб Отабек. -Аҳ! — деб югуриб келди Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АҲА *унд. с.* Бировнинг қийин аҳволидан кулиш, масхаралаш, истеҳзо ва ш. к.ни ифодалайди. *-Аҳа, қалай, ёмон ботиб кетдими?.. — деди Ҳамза чўрт кесиб.* К. Яшин, Ҳамза.

АҲАМИЯТ [*а.* اهمیت — жуда муҳим] Ҳаётда ва фаолиятда тутган ўрин, қиймат; муҳимлик. *Саноат жадал ривожланаётган бир пайтда ҳавони заҳарли газлардан тозалашнинг аҳамияти тобора ортаётир.* «Фан ва турмуш». *Нотиқлар алломанинг ҳаёти ва фаолияти, у қолдирган улкан илмий мероснинг аҳамияти ҳақида сўзладилар.* Газетадан.

Аҳамият бермоқ Диққат-эътибор қаратмоқ, муҳим деб муносабатда бўлмоқ. *Мевали дарахтларни кўпайтиришга алоҳида аҳамият бериш керак.* «Фан ва турмуш».

АҲАМИЯТЛИ Аҳамиятга эга бўлган; муҳим. *Йиғинда аҳамиятли бир масала кўрилиб қолса, қишлоқлилар тез-тез мулла Обидга маъноли қилиб қарашади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

АҲАМИЯТСИЗ 1 Аҳамияти йўқ, муҳим эмас. *Анвар .. нома ва аризаларнинг муҳимини аҳамиятсизидан ажратиб, ҳудайчига топшириш учун тайёрлар.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ҳечқиси йўқ, арзимайдиган. *Бўксам устига бир оз ханжар учи тегиб ўтган бўлса ҳам, аҳамиятсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АҲБОБ [*а.* احباب — дўстлар] *эск. кт.* Дўст, дўстлар. *Яхшилар доим насиҳат айлар ўз аҳбобига: Ичмагил, ҳушёр бўл, тушма бало гирдобига.* Воқиф.

АҲВОЛ [*а.* احوال — ҳолатлар] **1** Муайян вақт ва шароитдаги ҳолат; вазият. *Водийдаги аҳвол хавотирли эди.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Йўлчи Қоратойдан замон аҳволини сўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Турмуш ва иш-фаолиятдаги ҳолат; ҳол-аҳвол. *-Аҳволингиз қалай? — Йўлчи Шокир отанинг аҳволини, тирикчилигини сўради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хатда аҳволини очиқ-ошкор айтди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

3 Жисмоний, руҳий ҳолат. *Беморнинг аҳволи.* ▬ *Шундай бўлди девлар аҳволи, Турай деса йўқдир ҳеч ҳоли.* «Маликаи айёр».

Аҳволи руҳия *эск. кт.* Руҳий ҳолат, кайфият. *Эъзозхоннинг аҳволи руҳиясини жуда яхши тушуниб олган Тозагул дугонасининг қалбида, руҳида, кайфиятида юз берган ўзгаришни.. сўрашга ботина олмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Аҳвол сўрамоқ** *айн.* **кўнгил сўрамоқ**, *қ.* **кўнгил**. *Улар ачиниб, Муроддан аҳвол сўрашди, ҳамдардлик билдиришди, кўнглини кўтаришди.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 Ташқи кўриниш ҳолати; қиёфа (одатда, ёмон, ёқимсиз ҳолатга нисбатан). *Аҳволингни қара, тағин сен ҳаммомга тушган боласан, чиннидек кўйлакни нима қилдинг?* Ойдин, Ўзи монанд.

Бир аҳволда Ночор, бўлмағур аҳволда. *Азизхон бундай қараса, Лутфинисонинг устидаги кўйлак бир аҳволда.* С. Аҳмад, Уфқ. **Не аҳволда** Қийин аҳволда, қийинчилик билан. *Бемадор, бутун вужуди қалтираб титраётган қадди дол Эна одим жойда нафас ростлай-ростлай, не аҳволда уйига етиб олди.* «Ёшлик».

АҲВОЛОТ *кт. кам қўлл. қ.* **аҳвол**. [*Раҳмат Отабекка:*] *Отам сиз билан ўтиришиб, Тошкент аҳволоти тўғрисида сўзлашмаққа муштоқдирлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АҲД [*а.* عهد — ваъда, сўз бериш] **1** Ўзига ёки ўзгага берилган қатъий сўз, ишонтириш сўзи; қарор. *Аҳдида турмоқ. Аҳддан қайтмоқ.* ▬ *Аввалда олиб кўнглим чин аҳду вафо бирлан, Охирда жафоларга ҳамхона қилиб кетди.* Ҳамза.

Аҳд қилмоқ Жазм қилмоқ. *Сизни жуда кўп эсладим, жуда кўп ўйладим, кейин шу хатни ёзишга аҳд қилдим.* О. Ёқубов, Тилла узук.

2 Шартнома, келишув, битим. *Биринчи сентябрь, бутун халқимиз Тинчликнинг аҳдига қўяди қўлин.* Ғ. Ғулом.

Аҳд қилишмоқ *айн.* **аҳдлашмоқ**. [*Тантибойвачча*] *Кечқурун Гулнорга боришга вагончи билан аҳд қилишганлиги ёдига тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

АҲДЛАШМОҚ 1 Ўзаро қатъий ваъда бермоқ; ваъдалашмоқ. *Жон, Полвон оға, мени қумгами, даштгами олиб кетинг.* [*Полвон:*] *Севганим бор, бика, аҳдлашганмиз.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *расм.* Ўзаро шартнома тузмоқ, битимга келишмоқ. *Ўзаро фойдали ҳамкорлик тўғрисида дастлабки аҳдлашувга эришилди.* Газетадан.

АҲДНОМА Расмий шартнома, битим; пакт. *Ўзаро ёрдам тўғрисида аҳднома. Аҳдномани тасдиқламоқ.*

АҲД-ПАЙМОН, **аҳду паймон** Ўзаро қатъий келишув, битим, ваъда. *Охири она-*

лар ичкарида нон ушатдилар-у, ташқарига «Замира билан Муҳаммаджон ўқишдан кейинга аҳд-паймон қилди», деб маълум этдилар. П. Қодиров, Уч илдиз.

АҲЁН [*а.* احيان — вақтлар, муддатлар]: **аҳёнда** *ёки* **аҳён-аҳёнда** 1) ҳар замон-ҳар замонда, гоҳо-гоҳо, баъзи-баъзида. *Бу икки улфат аҳёнда мана шундай дилкашлик қилганларида, суҳбат бошдан-оёқ икки мавзудан четга чиқмас эди.* А. Қаҳҳор, Ўжар. *Аҳён-аҳёнда Қурбон ота ўтмишини ҳикоя қилиб қолса, Бегижон учун у мудҳиш ва афсонадек бўлиб туюлар эди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги; 2) у ер-бу ерда, сийрак, *Аҳён-аҳёнда жангчиларнинг каскалари кўриниб қолади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

АҲИЛ [*а.* اهيل — яқин, иноқ] Ўзаро жуда тотув муносабатли, иноқ-иттифоқ. *Аҳил жамоа. Аҳил яшамоқ.* ▬ *Аёл бор жойда меҳнат мазмунли, фарзандлар бахтиёр, оила фаровон ва аҳил.* «Саодат». *Босқинчилар нима бўлса ҳам бу аҳил одамларни бир-биридан жудо қилиш, ораларига низо солиб, кейин босқин қилишга аҳд қилишибди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

АҲИЛЛАШМОҚ Аҳил-иноқ муносабатли бўлмоқ. *Биз Холмат ака билан аҳиллашиб қолдик.* Газетадан.

АҲИЛЛИК Аҳил муносабат, шундай муносабатли ҳолат. *Оғайнилар ўзларининг аҳиллиги, бир-бирига меҳри, шафқати билан ҳамманинг диққатини жалб этар, ҳавасини келтирар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

АҲИЛЧИЛИК *айн.* **аҳиллик**.

АҲКОМ [*а.* احكام — ҳукмлар, буйруқлар, қонунлар] *эск. кт.* Қонун-қоидалар, йўл-йўриқлар, ҳукмлар. *Унинг тўпламига киритилган ҳадислар фақатгина шариат аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириб қолмай, балки инсонларга хос барча хислат ва фазилатлар.. тарғиботига бағишланган.* Газетадан.

АҲЛ [*а.* اهل — халқ, аҳоли; лойиқ] *кт.* **1** Маълум бир қараш (нуқтаи назар), дин ва ш. к.га мансуб кишилар, одамлар. *Ислом аҳли.*

2 Истиқомат қилувчи, яшовчи кишилар; аҳоли. *Шаҳар аҳли. Қишлоқ аҳли. Жаҳон аҳли. Маҳалла аҳли.* ▬ *Олур бизлардан ибрат аҳли олам..* Ҳабибий.

3 Иш-фаолият, касб-ҳунарнинг маълум турига мансуб, шу соҳада фаолият кўрсатувчи кишилар, одамлар. *Меҳнат аҳли. Савдогар аҳли. Илм аҳли.* ▬ *Коммуна опа бағри кенг, сахий бир ижодкор сифатида ҳам санъат аҳли ичида машҳурдир.* «Саодат».

4 Қатнашчи, иштирокчи. *Конференция аҳли. Суҳбат аҳли.* ▬ *Мажлис аҳлининг аксарияти хурсанд бўлиб, Мустафо Содиқни олқишлади.* Ойбек, Нур қидириб.

АҲМОҚ [*а.* احمق — эси паст, тентак] **1** Ақл билан иш қилмайдиган, ақлга зид, бемаъни ишлар қиладиган, шундай ишларга йўл қўядиган. *Эсинг кирмади сен аҳмоқнинг. Бошимизни балога қўйиб, ўзинг бу ёқларда тупроққа қоришиб юрибсан.* С. Аҳмад, Уфқ.

Аҳмоқ қилмоқ Лақиллатмоқ, алдамоқ. *Иннайкин, ишим битди, эшагим лойдан ўтди, деб ўзини лақиллатиб кетавераредим.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Ҳақорат ифодалайди. *-Аблаҳ одам экансан! — деди* [*имом*]. *-Сиз ҳам аҳмоқ мулла экансиз! — деди Сафар бўзчи.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АҲМОҚГАРЧИЛИК *с. т. айн.* **аҳмоқлик.**

АҲМОҚЛИК Аҳмоқона хатти-ҳаракат, ножўя иш; шундай хусусиятга эгалик. *-Агар Фотима шунга тегса, аҳмоқлик қилади. У устидан ялтирагани билан, асли паст одам! — деди Муса.* П. Турсун, Ўқитувчи.

АҲМОҚОНА Аҳмоқларга хос йўсинда, аҳмоқларча. *Аҳмоқона ҳаракат қилмоқ. Аҳмоқона савол.* ▬ *Марямхон дастлаб ўз кундоши билан чиқишолган эмас. Ҳатто мусулмонларнинг бундай «аҳмоқона закуни»ни фикри-хаёлига асло сиғдира олмаган.* Ойбек, Танланган асарлар.

АҲМОҚЧИЛИК *айн.* **аҳмоқлик.**

АҲОЛИ [*а.* اهالى — «аҳл» сўзининг кўплиги] Маълум бир ҳудуд, вилоят, мамлакат ва ш. к.да истиқомат қилувчи одамлар. *Маҳаллий аҳоли. Шаҳар аҳолиси. Аҳолини рўйхатга олиш.* ▬ *Зарафшон воҳасида 4 миллионга яқин аҳоли яшайди.* «Фан ва турмуш».



БА [а – *қисқа] унд.с.* Баъзи уй ҳайвонларини чақириш учун ишлатилади. *Ба қуррай!* (қўйини чақириш учун).

БА [а – *чўзиқ*] *такл. с.* Қўйлар маърагандаги товушни ифодалайди. *Тўрабой аканинг қўлидаги ҳали териси қуримаган қўзичоқлар аҳён-аҳён майингина «ба» деб қўяди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

БА- [*ф.* به – олд қўшимча] Асосан, арабча, форсча-тожикча сўзлар олдидан қўшилиб, бирор сифат-белгига эгаликни билдирувчи, -ли аффиксига тенг сифат ясовчи қўшимча, мас., *бадавлат, басавлат, бақувват.*

БААДАБ *айн.* **боадаб.**

БААЙНИ [ба.. + айни] *рвш.* Ажратиб бўлмайдиган даражада ўхшаш, айнан, худди ўзи. *Хулласи калом, бу биринчи уйланишим анвойи ташвиш ва тўполон бирлан баайни тушдагидак бўлиб ўтди..* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БАБАҚ *шв.* Хўрознинг бир хил йирик тури. *Бабақ хўроз.* ▬ *Баланд тутдан қичқирганда бабақ хўроз, жавобига теваракдан минглаб овоз.* Ғ. Ғулом, Кўкан батрак.

БАБ-БАРАВАР *қ.* **баравар.** *Бўйи баб-баравар. Оғирлиги баб-баравар.* ▬ *Ҳамма мусулмонлар баб-баравар деб ўйлайсизми? Мусулмонлар ўртасида бўрилар йўқми?* Ойбек, Танланган асарлар.

БАББИТ [америкалик ихтирочи Баббит (Babbitt) номидан] *тех.* Қалай ёки қўрғошинга сурма, мис каби металларни қўшиб тайёрланадиган, ишқаланиб ейилишни камайтирувчи қотишма. *Қалай баббитлари. Қўрғошин баббитлари. Баббит подшипниклар.*

БАВОСИР [*а.* بواسير – касаллик номи] *тиб.* Тўғри ичакнинг ва орқа чиқарув йўли веналарининг кенгайиши ҳамда тугунчалар ҳосил бўлиши натижасида пайдо бўладиган касаллик. *Сурункали бавосирга янтоқ аралашмасидан тайёрланган малҳам қўлланилади.* «Фан ва турмуш». *Бавосирни мутахассис врач даволайди.* “Саломатлик”.

БАВОСИТА *айн.* **билвосита.**

БАГАЖ [*фр.* bagage < bagues – йўлга олинган буюмлар; боғланган тугун] **1** Йўловчининг жўнатиш, ташиш учун тайёрлаб қўйган юки, умуман юк. *Қўл багажи. Багажни топширмоқ. Багажни олмоқ.*

2 Йўл транспортининг йўловчилар юки жойлаштириладиган жойи, бўлмаси. *Найчи машинасининг багажини очиб, иккита ўртамиёна қовун олиб, хотинига тутқазди.* Газетадан.

3 *с. т. кўчма* Билим даражаси, савия. *Улар [инспекторлар] бошқаришнинг янги органларига эски багаж билан келган, қишлоқ хўжалигининг конкрет тармоқларида чуқур билимга эга бўлмаган кишилардир.* Газетадан.

БАГАЖНИК [*р.* – «багаж жойи» маъносини ифодалайди] Йўл транспорти (велосипед, мотоцикл ёки автомобил)нинг юк ортиладиган махсус жойи (бўлмаси), юкхона. *Багажникни очмоқ. Багажникни беркитмоқ.* ▬ *Домла куни бўйи елиб-югуриб ҳолдан тойганига қарамай, иккита оғир чамадонни машинага ўзи олиб чиқди ва багажникка ўз қўли билан жойлаштирди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *Мен багажникда қўчқор олиб келганман.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БАД [*ф.* بد – ёмон, ярамас] Зарарли, ёмон. *Қизим ақлли, ҳушли қиз, дадасининг бундай бад ниятини билади. Шундан хафаланади, куяди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Зиё шоҳичи:*] *Бизнинг бу ҳолга тушишимиз ўз феъли бадимиздан!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ганжа ёлғиз қолгач, турли бад хаёлларга борди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Бад олмоқ Шубҳаланмоқ, шубҳа қилмоқ, ҳадиксирамоқ. *Чамаси Султонали аблаҳлик қилиб, Анварни бад олдириб қўйган ва тонг вақти, улар уйқуда экан чоғида ғойиб бўлиб, яна шубҳани орттирган бўлса керак.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бад емоқ** Шубҳа билан қарамоқ, ишончни йўқотмоқ. *У энди ҳеч нарсадан бад емас, Жўмард кўриб қолса рашк қилади, деб ўйламасди.* Мирмуҳсин. Илдизлар ва япроқлар.

БАД- [*ф.* بد – ёмон] Асосан форсча-тожикча ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, «ёмон», «ярамас», «зарарли» маъноларини ифодалайди, мас., *бадбўй, баднафс, бадфеъл.*

БАДАВИЙ [*а.* بدوی – саҳро кишиси, саҳрода яшовчи] Арабистон яримороли ва Шимолий Африкада яшовчи кўчманчи ва яримкўчманчи араб қабилалари; саҳройи, кўчманчи. -*Саҳрода арабларнинг бадавий деган ёввойи тоифаси бор экан. Ўшалар ҳажга келган-кетганларни талар экан,* – *деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бадавий ғазабдан титраб ногаҳон, Тик боққан кўзларга санчийди шамшир.* Х. Даврон, Қақнус.

БАДАВЛАТ [ба.. + давлат] Катта бойликка, бисотга эга бўлган; бой. *Бадавлат одам.* ▬ *У ўз ажойиб ғоясини амалга ошириш учун маблағ билан таъминлаб туришга бир бадавлат одамни унатди.* «Фан ва турмуш». *Бу давлатнинг бадавлат кишилари менинг оға-инимдек, етим-есирлари болаларимдек бўлиб қолди.* «Фан ва турмуш».

БАДАВЛАТЛИК Катта бойликка эгалик; давлатмандлик. *Бадавлатлик бўлган сўнг, Бегоналар дўст бўлар.* Мақол.

БАДАЛ [*а.* بدل – алмаштириладиган буюм; эваз] **1** Бирор нарсанинг ўрнига, эвазига бериладиган ҳақ ёки нарса, нарсанинг қийматига тенг келадиган бошқа бирор нарса; эваз. *Аммо бунинг бадалига, юқоридаги моллардан ташқари бир таноб ердан олтмиш пуд пахта олиб, нақд пул бараварига ҳукуматга топширади.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

2 Бирор ташкилот (жамият, уюшма) аъзосининг шу ташкилотга тўлаган ёки даврий тўлаб турадиган пули; взнос. *Аъзолик бадали. Партияга аъзолик бадали.*

3 Бадал (эркаклар исми) .

БАДАЛИДА *кўм. взф.* Давомида, мобайнида, ўтган вақт ичида. *Икки йил бадалида отамнинг топиб-тутиб тўлагани қарзининг фойдасинигина қоплай олди.* Ғ. Расул, Адолат. *Ўн йил бадалида юрагидаги заҳри заққумга айланди.* «Ёшлик».

БАДАН [*а.* بدن – тан, тана] **1** Тананинг, гавданинг сирти, сиртқи қисми. *Орқада келган Пўлағур манглай рўмоли билан яланғоч баданини артиб, терини қуритди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Ёмғирданми, терданми бутун бадани шалаббо ҳўл.* А. Мухтор, Чинор.

2 Тана, гавда, вужуд. *Қўнжи тўла сув, кийимбош жиққа ҳўл, совуқдан бадан қалт-қалт титрайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кечаси Жаҳонгирнинг баданида оғриқ турди.* «Шарқ юлдузи». *Йигитнинг лаблари қўлига тегканда, Маҳвашнинг аъзойи бадани жимирлаб кетди.* Т. Ашуров, Оқ от.

БАДАНТАРБИЯ *эск. айн.* **жисмоний тарбия**. *қ.* **тарбия**. *Ғозиддин тонг қоронғисида туриб, бадантарбия қилиб, обдан ювиниб олгач, китоб ўқиб ўтирар, баъзан эса қайтиб бир оз мизғирди.* О. Мухторов, Эгилган бош. *У ҳар куни бадантарбия қилгиси келарди-ю, иш кўплигидан бу истагига эриша олмасди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бадантарбия – дам олиш, ўпка ва юракни меъёрга солиш учун мўлжалланган бўлса майли эди-я! Афсус, уники муштлашувни, қасосни мўлжаллаган бадантарбия эди.* «Ёшлик».

БАДАР [ба.. + *ф.* در – эшик]: **бадар кетмоқ** Ном-нишонсиз кетмоқ, дом-дараксиз кетмоқ, ғойиб бўлмоқ. *Ўша келган бўйи бадар кетган.* «Ёшлик». -*Боққа бир бордингиз-у, бадар кетдингиз,* – *деб гинахонлик қилиб кўришди амма.* С. Анорбоев, Меҳр.

БАДАРҒА [*ф.* بدرقه – кузатиш; кузатиб борувчи] **1** Ўз ватани (юрти)дан бошқа жойга сурилиш, ҳайдалиш, қувғун. *Айрилиқ устига энди бадарғаси ҳам чиқди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

Бадарға бўлмоқ Бирор сабаб, мажбурият билан ўзга юртларда сурилиб юрмоқ; ўз

жойидан бошқа жойга ҳайдалмоқ. *Отаси бечора бўлса, қанча вақт эл-халқдан номус қилганидан аллақандай шаҳарларга бадарға бўлиб, яқинда келди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бадарға бўп чиқдик юрту қалангдан, Туташиб ўт чиқар сенинг танангдан..* «Эрали ва Шерали». **Бадарға қилмоқ** Ўз жойидан бошқа жойга ҳайдаб юбормоқ, қувғун қилмоқ. *Кўп халқлар ўз ватанидан бадарға қилинди.* «Шарқ юлдузи».

2 *ҳуқ.* Суд ҳукми билан бошқа ерга юбориш; кўчириш, сургун.

БАДАСТИР [*ф.* بەدستوری – маълум тарзда; тартиб-қоида асосида] *кам қўлл.* Ҳар жиҳатдан тўла-тўкис таъминланган, барча керакли нарсаси мавжуд, бекаму кўст. *Ўзи ҳам ўлимлигини бадастир қилиб қўйган экан.* «Шарқ юлдузи». *-Ҳамма нарсаси бут, тўкис, бадастир одамсан, – деди Эргаш Мирвалига.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БАДАХЛОҚ [бад.. + ахлоқ] Юриш-туриши, ҳаракатлари жамиятнинг ахлоқий меъёрларига зид бўлган; ахлоқсиз. *Бадахлоқ одам.*

БАДБАХТ [бад.. + бахт] **1** Бахти кулмаган, турмушдан ёлчимаган; бахтсиз, бахти қаро, бебахт. *Мени қарғаманг, қарғаманг бадбахт қизингизни, онажон!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Манави гўдак – жигарингиз Низомни ҳам бадбахт қилган одамсиз.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кўз очиб кўргани алдадими – бас, шўрлик умр бўйи ўзини бадбахт ва айбдор ҳисоблайди.* «Ёшлик».

2 *кўчма, с.т.* «Ярамас, аблаҳ, шафқатсиз» маъносидаги ҳақорат, қарғишни ифодалайди. *Эй, бадбахт, билтур биров пайғамбарлик даъвосини қилиб осилиб ўлган эди, сен шундан ибрат олмадингми, дебди.* «Аския». *Бадбахт одамдагина раҳму шафқат бўлмайди.* «Фан ва турмуш». *Тортмоққа Ёдгорда дармон қолмади, Ўз ҳолига бадбахт душман қўймади.* «Алпомиш».

БАДБАХТЛИК 1 *айн.* **бахтсизлик**. *Бошимизга тушган неки кулфат, фалокат, бадбахтлик, зулм, хорлик – бари шундан, нафсимиздан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Пасткашлик, аблаҳлик. *-Сен бадбахтлик қилма!.. – деб Рўзи .. сўзига қўшимча қилди.* С. Айний, Жаллодлар.

БАДБАШАРА [бад.. + башара] Кўриниши ёқимсиз; хунук, кўримсиз юзли. *Мелиқул ота кун ботиш олдида Эралининг ҳовлисига қирқ-эллик ёшлардаги бадбашара бир одам билан кириб келди.* «Ёшлик». *Соқчи мўйловдор, девдек улкан гавдали, бадбашара бир йигит экан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

БАДБИН [бад.. + *ф.* بین – кўрувчи, қаровчи] **1** Бировга ёмонлик истовчи, бузуқ ниятли, бадхоҳ. *Тушунаман, умр қисқа, Ҳақ дасти ҳам қисқароқ, Аммо нечун шу умрда Бунча бадбин яшамоқ?* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Жамият ахлоқий нормаларига тўғри келмайдиган; ярамас. *[У] Эски Шарқдаги бадбин урф-одатларга қарши, хотин-қизларни ҳуқуқсиз қулга айлантиришларига.. қарши исён қиларди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Тақсири олам, бу ғаламис гапларга асло қулоқ сола кўрманг. Булар сизни чалғитиш учун атайин айтилган бадбин гаплардир.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Умидсиз, тушкун ҳолатли; пессимист. *Қайғура бил, лекин бадбин бўлмагил, Қайғу табиий ҳол, бадбинлик ёмон.* Уйғун. *Кимсалар, бадбин дея боқманг бу кун Абдуллага, Тингласа гоҳи юриб мозий элидин зорлар.* А. Орипов.

БАДБИНЛИК 1 Ярамас, ёмон ниятли хатти-ҳаракатларга одатланиш.

2 Умидсизликка берилиш, умидсизлик. *Унинг тақдири ҳақида энг некбин бўлган Ҳайдар ҳожи энди бадбинликка тушиб, хатлар ёзади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Зикриё афанди, бадбинлик ҳам жаҳолат каби ёмон иллат.* Т. Малик, Қалдирғоч.

БАДБУРУШ 1 Юзи, башараси бурушган. *қ.* **бадбашара.** *Гулсанам қамчи зарбидан чинқириб, ўрнидан турган эди, бадбуруш бир киши уни қисқичдай қўллари орасига олди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Ҳайбатли, қўрқинчли. *Ҳар бири эшакдай келадиган учта ити занжирда. Бадбуруш зўр итлар.* Ойбек, Болалик. *Нусратилланинг қора, чўтир юзи ситилган бақадай бадбуруш бўлиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ростини айтсам, эшитган эдим-у, аммо эчкемарнинг бундақанги каттасини, бадбурушини кўрмаган эдим.* Й. Шамшаров, Тошқин.

БАДБЎЙ [бад.. + *ф.* بوی – ҳид, ис] **1** Ёқимсиз ҳид тарқатувчи; ёқимсиз ҳидга эга; қўланса, сассиқ. *Аваз бадбўй ҳиддан бўғилиб уйғонди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ошхо-*

нанинг мендан ҳам каттароқ раҳбарлар овқатланадиган хилват бурчагидан одам боласи чидай олмайдиган бадбўй ҳид анқий бошлади. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 *кўчма* Ёмон, ярамас; хавфли. *Одобни одобсиздан ўргандим дегандек, балки ота ҳаётининг баъзи бадҳазм, бадбўй томонлари қизни узоқларга назар ташлашга мажбур қилгандир.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Ватанимизнинг зангори осмонини бадбўй булутлар қоплаган оғир синов дақиқаларида ҳам унинг [Ғафур Ғуломнинг] баланд наъраси узоқ-узоқларга эшитилиб турди.* Газетадан.

БАДБЎЙЛИК Ёқимсиз ҳидга эгалик. *Соғлиқни сақлаш бўлимининг.. ифлослиги.. ариқларда.. ахлат оқиб туришидан.. бадбўйликдан билиниб турар эди.* «Муштум».

БАДГИР [бад.. + *ф.* گیر – олувчи] Тўғри ишни, гапни тескарига бурувчи; ҳадеб гина қилаверувчи, гина сақловчи; кекчи. *Бадгир одам.* ▬ *Борди-ю, шеърият даҳоси Ҳофиз бугунги кунда бадгир фикрли деб саналган экан, мендай мухлисини ҳам мардуми даврон қилинглар.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

БАДГУМОН [бад.. + гумон] Ҳар кимдан, ҳар бир нарсадан шубҳа, гумон қилувчи, ҳадикчи; рашкчи. *Бадгумон одам. Бадгумон бўлмоқ.* ▬ *Бўстон хўжаси Маждиддинни биринчи кўрган ондаёқ ундан бадгумон бўлган эди.* Ойбек, Навоий. *Не сабаб бўлади-ю, оқсоқолнинг кенжа қизи бир пой олтин ҳалқасини йўқотади. Мендан бадгумон бўлишди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

БАДГУМОНЛИК Шубҳаланиш, ҳадиксираш ҳолати. *-Менда баъзи кишилардай ҳар нарсага шубҳа билан қараш, бадгумонлик хусусиятлари йўқлигини биласан, дўстим, – деди раис Камолга.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Рашкдан холи эмас ошиқлар дили, Лек бадгумонликнинг бўлма мойили.* Ф. Зоҳид.

БАДГЎЙ [бад.. + *ф.* گوی – гапирувчи] **1** Ёмон сўзлар айтиб юрувчи, ғийбатчи, иғвогар. *Шу бадгўй, борларни кўролмайдиган, йўқларга беролмайдиган оч арвоҳ-а! Зиёли эмас, миллатга зиёнли чаён.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *шв.* Тили заҳар. *Бадгўй хотин.*

БАДЖАҲЛ [бад..+ жаҳл] **1** Аччиғи тез, жаҳли ёмон. *Баджаҳл одам.* ▬ *Баджаҳл ва қаттиққўл Валихоннинг бу хушнудлигидан бек навкарлари енгил тортиб, зўрма-зўраки илжаярдилар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Сажия баджаҳл, тили заҳар хотин, сал нарсага чақиб олади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 *кўчма* Қудратли, кучли; ҳайбатли, даҳшатли. *Омочнинг тишини созлашни, сандонда темир парчинлашни, турли асбоб ясашни ўрганар, қур-қур темирни кемираётган, сеҳргар, баджаҳл оловга узоқ тикилиб ўй сурарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қуюқ, баҳайбат, баджаҳл булутлардан йирик ёмғир томчилари савалаб турарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

БАДЖАҲЛЛИК Жаҳли, аччиғи тезлик; ўзини тута олмаслик хусусияти. *Қайнатанинг бутун вужуди ҳукмронлик ва баджаҳллик билан тўлиб-тошган эди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. *Шунақа одамлар бўлади. Ўзининг одамгарчилигидан ийманганлек, уни юзаки баджаҳллик, қўполлик ёки сергаплик билан ниқоблашга уринади.* А. Мухтор, Чинор.

БАДЗАБОН [бад.. + забон] Ёқимсиз гаплар айтувчи; қўпол тилли. *-Сенга айтадиган гапим шуки, – деди бойвачча чертиб-чертиб, – Сен бадқадам, бадзабон одамсан.* К. Яшин, Ҳамза. *Найзанинг захми битиб кетади, аммо бадзабон захми сира битмайди.* К. Яшин, Ҳамза.

БАДЗОТ [бад.. + *а.* ذات – киши, шахс] **1** Ёмон наслли, зоти паст, таги паст. *Бадзот одам.* ▬ *Ё олло, наҳотки бадзот бир табибнинг ўғли газетага ёзиб, эл-юртга мени ёмонотлиқ қилса-я?* К. Яшин, Ҳамза.

2 Ҳақорат, сўкиш маъносини ифодалайди. *Менинг шунчалар қаттиқ гапларимга қандай чидадинг? Нега сен ҳам жавоб бермайсан, бадзот?* К. Яшин, Ҳамза.

БАДИА [*а.* بديعه – ажойиб, ғаройиб, ноёб нарса; санъат асари] **1** Нафис, нодир. *Шоир, ёзмайсанми, қани йил бўйи Авайлаб асраган бадиа сатринг?* Ғ. Ғулом.

2 Кишининг диққатини тортадиган бадиий асар. *Шоирдан бизга лирик бадиалар, фалсафий мушоҳадаларга бой манзумалар мерос бўлиб қолди.* «Фан ва турмуш». *Алишер болалик йилларида икки тилда бадиалар ижод қилиб шуҳрат топган.* Ойбек, Навоий.

БАДИИЁТ [*а.* بديعيّات – бадиалар; бадиийлик] *эск. кт.* Бадиийлик ва эстетик талабларга жавоб бера оладиган ижод ва унинг маҳсули. *У.. «адабиёт пирлари» ҳақида ёзган мақолаларида чин бадииётни сохта

бадииётдан ажрата билиш таълимини берди.. Газетадан.

БАДИИЙ [*а.* بديعى – бадиийятга, нафис санъатга оид; гўзал, ажойиб] **1** Воқеликни нафис санъат воситалари, усуллари, образлари орқали ифода этувчи; тасвирловчи. *Бадиий адабиёт. Бадиий асар. Бадиий санъат. Бадиий фильм.* ▬ *Бадиий адабиётнинг замири ҳаётдир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Элмурод бадиий асарлар одамларнинг ташна дилларига нақадар роҳат бағишлаганини сезар, лекин бундай асарларнинг ўз тилимизда камлигидан куйинар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бадиийликка тегишли, мансуб. *Бадиий маҳорат. Бадиий тасвир. Бадиий тафаккур. Бадиий дид. Бадиий салоҳият.* ▬ *Ижодда фақат ниятнинг ўзи кифоя қилмайди, шунга яраша бадиий салоҳият ва теран фикр ҳам зарур.* Газетадан. *Бадиий фикр ўзининг шакли билан туғилади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

3 Бадиий ижод билан боғлиқ бўлган фаолиятга оид. *Бадиий раҳбар. Бадиий ҳаваскорлар тўгараги. Бадиий жамоа. Бадиий муҳит.* ▬ *Бадиий ҳаваскорлик тўгараги репетиция қилаётир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўзбекистонлик бадиий коллективлар ва ижрочиларнинг концертларида олтмиш мингдан ортиқ киши ҳозир бўлди.* Газетадан. *Янги инсонни вояга етказиш ва тарбиялашда ижтимоий ва бадиий муҳитнинг роли катта.* Газетадан.

БАДИИЙЛИК Бадиий-эстетик хусусиятга, бадиий мазмунга эгалик; санъатга алоқадорлик. *Бадиийлик – асарнинг эстетик таъсир кучи.* Газетадан. *Ойбек романнинг мусиқавийлиги, бадиийлиги, образли бўлиши учун курашган.* «ЎТА».

БАДИИЯТ *кам қўлл. қ.* **бадиийлик.** *Бадииятдан маҳрум, хом шеърлар газетада босилаверади, деган гап қаердан чиққан?* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

БАДИК I *шв.* Дудуқланиб гапирувчи; чучук тил.

БАДИК II *фольк. этн.* Беморни сўз ёки ашула айтиш йўли билан даволаш усули; дуохонлик, авраш. *Бунга сўзнинг магик қудратига асосланувчи кинна, бадик, авраш, бурей-бурей ҳамда мавсум-маросим қўшиқларидан «Суст хотин», «Чой момо» кабилар мансуб.* «ЎТА».

БАДИКХОН Беморни бадик усулида даволовчи.

БАДИКЧИ *айн.* **бадикхон.**

БАДИҲА [*а.* بديهه – ички ҳис-сезги; топқирлик, ҳозиржавоблик] *ад.* Бирор воқеа, ҳодиса муносабати билан тўсатдан, бирданига ижод қилинган, айтилган шеър ёки шеърий парча, мусиқа асари ёхуд қўшиқ; экспромт. *Бадиҳа айтувчи ё енгиши, ё мажлис аҳли олдида мулзам бўлиши керак.* Газетадан. *Бундай ҳолат ҳам ёр-ёрчи гўяндаларнинг ижро жараёнида эркин бадиҳа қилишларига қулайликлар туғдиради.* «ЎТА».

БАДИҲАГЎЙ [бадиҳа + *ф.* گوى – айтувчи] Тўсатдан шеър тўқий олувчи; ҳозиржавоб. *Айтувчининг бадиҳагўйлиги билан боғлиқ ҳолда «Олқиш»нинг ҳажми турлича бўлади.* «ЎТА». *-Ёлғон, – деди Ғайбаров, – Мен бадиҳагўй эмасман.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

БАДИҲАГЎЙЛИК Бирданига, тўсатдан ижод қила олишлик. *Бадиҳагўйлик – ижрочилик санъатини узил-кесил эътироф этувчи босқичдир.* Газетадан.

БАДКАРДА [*ф.* بدكرده – ёмон ишлар қилувчи] *кам қўлл.* **1** *айн.* **бадкирдор.** *Бир бадкарда сўз сўзласа, ҳеч қулоқ солгувчи бўлма.* «Эрали ва Шерали». *Бадкардага кўнма зинҳор, Ҳушёрдирсан, ақлинг бисёр.* «Эрали ва Шерали».

2 Ёмон отлиқ, ёмон ном чиқарган. *Бадкарда одам.*

БАДКИР [*ф.* بدكار – ёмон амалли] *кам қўлл.* Ёмон, қабиҳ, разил; шундай ишлар қилувчи. *Жаноби қоровулбеги, бу бадкирлар амир одамлари эмас.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Бадкир полвонни ўлдириб келдим, армоним қолмади.* «Хушкелди».

БАДКИРДОР [*ф.* بدكردار – разил, ёмон ишлар қилувчи**]** *кт.* Ёмон, қабиҳ ҳаракатлар қилувчи; ярамас одам. *-Тилида қуръон сўзи, аммо қилмиш-қидирмиши гуноҳдан иборат бўлган ҳаромхўрлар, бадкирдорлар, золимлар озми? – деди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб. *Бадкирдор одамлар бир кун беомон ярадор қилдилар қўшиқни.* А. Орипов.

БАДКИРДОРЛИК Ёвузлик, разиллик хусусиятига эга бўлган ҳаракат, иш. *Зағчакўз Бақохўжанинг бадкирдорлигидан юрагини олдириб қўйган кампир Зин қишлоғида ҳаммадан ҳадиксиради.* Мирмуҳсин.

БАДКОР [*ф.* بدكار – ярамас ишлар қилувчи] *кам қўлл.* **1** Қабиҳ ишлар қилувчи, ёмон ниятли. *Офатингдан сақла, ё пар-*

вардигор! Норасида қизга қўл солди бадкор. Миртемир. *Йўлда йўлдошликка бадкор тушмасин, Ҳеч киши юртидан канор тушмасин.* Миртемир.

2 *кўчма* Бераҳм, шафқатсиз. *Рашк этиб бадкор тароққа, Гоҳи кўнглим ғаш бўлур, Жонга пайванд сочларингни Нега тирноғлар тароқ?* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

БАДКОРЛИК *кам қўлл.* Нияти бузуқлик, ёмон, қабиҳ ишлар билан шуғулланишлик. *Ҳотам бува, раисликни ол, деб қўймайди. Бадкорлик қилиб, чин кўнгилдан айтмаётгандир, деб ўйлайман, лекин қараб турсам — чин кўнгилдан айтаяпти.* М.М.Дўст, Лолазор. *Амир навкарлари Когонга бостириб кириб, мислсиз бадкорликлар қилишган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

БАДЛАНМОҚ *шв.* Хўмрайиб, ёқтирмасдан қарамоқ, хушкўрмаслик. *Қўл тутишиб кирдик узун даҳлизга, Не бало, бадланиб қарайсиз бизга.* «Қўшиқлар».

БАДМАСТ [бад.. + маст] Ҳаддан зиёд кўп ичимлик ичадиган, ёмон маст бўладиган ва маст бўлиб ножўя қилиқлар қиладиган. *Шуҳратли қароқчи ўлгунча бадмаст, оғзидан гупиллар ароқнинг ҳиди.* Уйғун, Тонг қўшиғи. *Бадмастга дамодам ичмоғидин не баҳр, Ки одамийлиқ қатлуға ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.* Газетадан.

БАДМАСТЛИК Ўта мастлик ҳолати; ғирт мастлик. *У бадмастлик билан текканга тегиб, тегмаганга кесак отди.* «Муштум». *Бадмастлик ва баднафслик шифокор тегирмонига сув қуяди.* Газетадан.

БАДМИНТОН [*ингл.* Англиядаги Badminton — Бадминтон шаҳри номидан] Патли коптокча (волан)ни ракетка билан уриб, тўрдан оширишга асосланган, яккама-якка ёки жуфт-жуфт бўлиб, залда ёки очиқ майдончада ўйналадиган спорт ўйини. *Қўлтиғига бадминтон ракеткаларини қистириб олиб, икки қўлида иккита тўр халта кўтариб турибди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Бадминтон машғулотлари пайтида шикастланиш, болдир бўғимлари чўзилиши мумкин.* «Саломатлик».

БАДНАМО [бад.. + *ф.* نما — кўринувчи; кўриш] **1** Хунук башарали, турқи совуқ; жирканч. *Рангини кўринг бу баднамонинг, Ҳангги эшаги эрур худонинг.* Аваз Ўтар. *Зевархонни уят ўлдирди.. Ажаб баднамодир бошдан оёғинг.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Кўримсиз, хунук, равшанмас. *Сайфиддин бир варақ қатини ёйиб, Аваз томон сурди: -Хатимиз сал баднамороқ, оға, айб этмайсиз..* С. Сиёев, Аваз.

БАДНАФАС [бад.. + нафас] Бирор иш ёки ҳаракатнинг натижасидан фақат ёмонлик кутувчи; нафаси совуқ. *Баднафас одам.* ▬ *Ҳай, бундай баднафас бўлма-я.* Ойбек, О.в. шабадалар.

БАДНАФС [бад.. + нафс] **1** Кўп ебичадиган; нафсини тия олмайдиган, очкўз. *Хиёл ўтмай Сардорнинг ўзи кириб келди. Хийла баднафс эмасми, қиши билан бир жойда ётиб ея берганидан хўп семириб етилибди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Мол-дунёга тўймайдиган, бойликка ҳирс қўйган. *Мулла Фазлиддин.. буларнинг баднафс талончилар эканини кўриб, нафрати келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БАДНАФСЛИК Ўз нафсини тия олмаслик, очкўзлик. *Касаллик — баднафсликдан, фалокат — ҳасаддан.* Газетадан. *Бадмастлик ва баднафслик шифокор тегирмонига сув қуяди.* Газетадан. *Икки оёқли бузоқнинг баднафслигига чидай олмаган сигир шатирлатиб унинг пешонасига тепди.* С. Аҳмад, Уфқ.

БАДНИЯТ [бад.. + ният] Фақат ёмонлик истовчи, бузуқ фикрли. *Менинг ҳақимда Алишер Навоийдек одам шундай бадният.. бўлсин?* Ойбек, Навоий. *Бадният қилганнинг боғи кўкармасин.* «Шарқ юлдузи».

БАДНОМ [*ф.* بدنام — ёмон ном] Ёмон иш билан ном чиқарган, ёмонотлиқ бўлган, номига доғ тушган. *Бадном одам. Бадном бўлмоқ. Бадном қилмоқ.* ▬ *-Ёмон одамларнинг сўзига қулоқ солиб, бундай ноҳақ гапларни гапирмагин! Қиз бола-я! Бадном бўлиб қолса, нима бўлади?! — деди Қудратжонга бувиси.* Мирмуҳсин, Умид. *Маориф мудирига арз қилсам, аллақачон мени бадном қилиб қўйган экан, гапимни инобатга олишмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бўтани тезроқ бадном қилайлик десангиз, ҳозир чолга босиб-босиб ичирасиз.* С. Аҳмад, Ҳукм.

БАДНОМЛИК Ёмонотлиқ бўлмоқлик; шармандалик. *Гитлер, гитлерчилардан нима қолди?.. Бадномлик қолди.* Н. Сафаров, Тирилган одам.

БАДНУСХА [бад.. + нусха] Хунук башарали, турқи совуқ. *Ернинг юзида юрибтуришингни кўролмайдиган, одам сиёқидаги*

баднусха, баднафс махлуқнинг бетинга тушган тарсакисини, агар одам бўлсанг, то абад унутма! К. Яшин, Ҳамза.

БАДРАНГ [*ф.* بدرنگ – ёмон, кўримсиз ранг] *кам қўлл.* Хунук, кўримсиз рангли. *Қай кўз билан кўрсинки, поллар ўйнаб ётарди. Бўёқлари бадранг.* «Муштум».

БАДРАФ [бад.. + *ф.* رفتن – «бормоқ» феълидан] *шв.* Ҳожат учун бориладиган жой; ҳожатхона. *Кондукторлар нима қилишларини билмай, мени бадрафга қамаб, устимдан қулфлаб қўйишди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

БАДРАФХОНА *айн.* **бадраф.** *Бирон бадрафхонанинг ўртасига улоқтириб кетса бўлмасмикан, бу ғурбат юкини?* «Ёшлик».

БАДРАШК [бад.. + рашк] Ортиқ даражада рашк қилувчи, қизғанчиқ. *Бадрашк эр.* ▬ *Баъзилар жуда бадрашк бўлиб, ҳаёт йўлдошини эзади.* Газетадан.

БАДРЎЙ [*ф.* بدروى – хунук чеҳрали] Хунук юзли, совуқ башарали; турқи совуқ. *Ўрмонаро ўтган йўлчадан Чиқиб келди учтўрт кўланка. Бири бадрўй, қон томар юзидан.* З. Диёр.

БАДСУРАТ [бад.. + сурат] Хунук кўринишли, турқи совуқ. *Бир бало, бир офат, бадсурат хунук, Оғзидан очилган қора бир туйнук. Кўзлари оловли, тишлари ханжар.* Миртемир, Асарлар.

БАДТАР [*ф.* بدتر – ёмонроқ] *айн.* **баттар.** *Гулнор бир зум тараддудда ўтириб қолди. Унинг бир нуқтага тикилган чиройли кўзларига бадтар ғам чўкди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бувисининг кўзлари бадтар чақчайиб, бошини сарак-сарак қилди.* «Ёшлик».

БАДТАРИН [*ф.* بدترين – энг ёмон, ярамас] *айн.* **баттарин.** *Ахир бу ерга салтанат душманлари, бадтарин кимсалар, ғоятда хавфли шахслар ташланар эди-ку!* Мирмуҳсин, Меъмор.

БАДТАРЛАШМОҚ *айн.* **баттарлашмоқ.** *Бу воқеадан кейин хоннинг бош вазирга муносабати яна бадтарлашди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

БАДФЕЪЛ [бад.. + феъл] Хулқ-атвори ёмон; тарбиясиз. *Бадфеъл одам. Бадфеълнинг бети қора.* Мақол. ▬ *Олимжон эса Комилжоннинг тескариси.. Ўлгудай тўнг, бадфеъл.* «Муштум». *Масалан, баъзи одамлар бадфеъл ёки итфеъл, баъзилари эса хушфеъл бўлиши мумкин.* «Ёшлик».

БАДФЕЪЛЛИК 1 Ёмон хулқлилик, феъли ёмонлик. *Бобур ҳажвиёти айрим кишилар характеридаги бахиллик, бадфеъллик, ғийбатчилик каби салбий хислатларга ҳам қаратилган.* «ЎТА».

2 Ёмон ниятлилик, ёмон хаёлда бўлишлик. *Отаман, деб бадфеълликни ўйладинг, мен Мажнунман, мени жуда қийнадинг.* «Баҳром ва Гуландом».

БАДХАЁЛ [бад.. + хаёл] Ёмон хаёл, гумон. *-Баъзида кўнглим аллақандай бадхаёлларга бориб қўяди-ю.. шайтонга «ҳай» бериб, зўрға ўзимни тўхтатиб қоламан, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БАДХАТ [бад.. + хат] Аниқ, равшан қилиб ёзмайдиган, хати хунук. *Бадхатроқ эккансиз, турар жойингизни топгунча пича вақт ўтди.* «Шарқ юлдузи». *Кўп ёзиш-чизиш натижасида хатим бир даража тузалиб, ўқиладиган бўлса ҳам, асосан бадхатлар қаторига кириб қолдим.* С. Айний, Қуллар.

БАДХОҲ [бад.. + *ф.* خواه – хоҳловчи, истовчи] Бировга ёмонлик истовчи, бузуқ ниятли. *Буларнинг гапи бадхоҳ хайрхоҳларнинг тарбияси, насиҳати, танқидига ўхшар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БАДХОҲЛИК Нияти бузуқлик, пинҳона душманлик. *Унинг феълига тушуниб қолган бу ердаги мутахассислар бу хайрхоҳлик остида ашаддий бадхоҳлик ётишини билар эдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БАДХУЛҚ [бад.. + хулқ] Ёмон хулқли, қилиғи совуқ. *Бадхулқ одам.*

БАДХЎЙ [*ф.* بدخوى – ёмон феълли, адабсиз] *айн.* **бадфеъл.** *Бадхўйнинг бети қора.* Мақол.

БАДХЎР [бад.. + *ф.* خور – еювчи, ичувчи] Истеъмол қилиб бўлмайдиган, таъмсиз, лаззатсиз. *Бадхўр овқат.* ▬ *Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, бадхўр бўлиб кетмасин деб қўрқаман.* У. Исмоилов, Рустам.

БАДЧЕҲРА [бад.. + чеҳра] Хунук юзли, башарали; кўримсиз, бадбашара. *Қовоғи солиқ, хўмрайган, бадчеҳра Маъмур сигарета чекиб ўтирибди.* Ойбек, Нур қидириб.

БАДЯ [*ф.* باديه – мис ёки сополдан ясалган катта идиш] **1** Ёғоч, сопол ёки металлдан ясалган махсус катта челак.

2 *тех.* Бетон қоришмасини солиш учун ишлатиладиган идиш. *Кран ғирчиллайди, кўтарилаётган бадядан тақир-туқур тош, шалопшалоп қоришма тушади.* А. Мухтор, Туғилиш.

-Буниси — пневматик юкчи, буниси — бадя, буниси — осма насос, — деб Йўлдош ҳафсаласи келмайроқ менга бир нималарни кўрсатди-ю, уққан бўлсам ўлай агар. «Ҳарорат».

БАДҚОВОҚ 1 Қовоғи солиқ, хўмрайган. *Бадқовоқ одам.* ▬ *Кенжа нариги столда ўтирган бадқовоқ йигитга қаради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Гитлер экан бадқовоқ, Одати хунук, карқулоқ.* «Бойчечак».

2 *кўчма* Куюқ, ҳайбатли (булут ҳақида). *Ташқарига чиқиб, кўнгли яна ям ёришиб кетди: бадқовоқ кулранг булутлар узоқ-узоқларга чекинган.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

БАДҲАВО I [бад.. + ҳаво] Ҳавоси бузуқ, ёқимсиз. *Бадҳаво жой.*

БАДҲАВО II [бад.. + ҳаво] Ўзини ўзгалардан юқори олувчи, димоғдор; такаббур. *Бадҳаво одам.* ▬ *Фақ(и)р аҳлиға ниҳоятда тавозеъли Муқим, Не керак баъзи такаббур, бадҳаволарга салом!* Муқимий.

БАДҲАЗМ [бад.. + ҳазм] Тезда ва осон ҳазм бўлмайдиган, сингиши қийин бўлган. *Бадҳазм таом.*

2 *кўчма* Кўнгилга тўғри келмайдиган, феъл-атвори совуқ. *Шафриндан илгари ёшгина бир йигит кирди. Бу — Эҳсоннинг яқин дўстларидан, Саидий «бадҳазм» деган кишилардан бири.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўша бегона, бадҳазм хотин, нима бўлса ҳам, болам, деб юрибди.* А. Мухтор.

3 *кўчма* Жирканч, ярамас. *Одобни одобсиздан ўргандим дегандек, балки ота ҳаётининг баъзи бадҳазм, бадбўй томонлари қизни узоқларга назар ташлашга мажбур қилгандир.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

БАДҲАЙБАТ [бад.. + ҳайбат] *айн.* **баҳайбат 2**.

БАЁВ Ҳар нарсага ишонаверадиган; соддадил; бўшанг. *Мени бўш, баёв, бемалол сигир қилиб соғса бўлаверадиган лақма деб ўйлаяпти, шекилли. Ҳали қараб тур, ўзингни шилиб, ширяланғоч қилиб қўйганимни билмай қоларсан.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БАЁЗ [*а.* بياض — оқ, оқлик; оққа кўчирилган шеър, матн] **1** Оқ ранг; оқлик.

2 *ад.* Бир ёки бир неча шоирнинг шеърларидан танлаб олиб тузилган шеърий тўплам. *Баёз тузиш ўзбек, озарбайжон, турк, шунингдек, эрон ва араб халқларининг адабиёти тараққиётида салмоқли ўрин тутган.* «ЎзМЭ». *Баёзини олиб кирди айвона. Ўқиб бериб, мени қилди девона.* «Қўшиқлар».

БАЁН [*а.* بيان — аниқлик, равшанлик, тавсифлаш, ифодалаш] **1** Табиат ва жамият ҳақидаги тушунча ҳамда тасаввур юзасидан инсон фикри ва мулоҳазаларининг оғзаки ёки ёзма ифодаси. *Оғзаки баён. Баён қилмоқ. Фикр баён қилмоқ.* ▬ *Бу ёғини қайси тил билан баён этсам экан..* Х. Тўхтабоев, Сеҳрли қалпоқча. *Гўрўғлибек бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир баён этди.* «Гўрўғли». *Ҳа, кўрасан, лекин шуни унутма асло, Аҳволингни баён қилгин фарзандларга хос.* А. Орипов. *Агар чиндан ҳам сени пул қизиқтирмай, муҳим деб ўйлаган гапингни қисқа баён этиш қўлингдан келса, қучоқ-қучоқ асар ёзишингнинг фойдаси йўқ.* Шукрулло.

2 *ад.* Адабий асарнинг содир бўлган ёки бўлаётган воқеалар ҳамда воқеаларнинг бориши ҳақида ҳикоя қилинадиган қисми. *Романда тавсиф, муаллиф мулоҳазалари ва баёнлар кўп.*

3 *ад.* Тавсиф; изоҳ бериш. *Асарнинг қимматли бобларидан бири шеърият ва аруз баёнидир.* «Фан ва турмуш».

4 Ўқиб ёки айтиб берилган бирор матн асосида ёзиб чиқилган иш; ёзма иш (ўқувчилар билимини баҳолашнинг ёзма шаклларидан бири). *Ўқувчилвр баён ёзишди. Баённи текшириб чиқмоқ. Баёнлар тўплами.*

Баён аломати *тлш. кам қўлл.* Остин-устин турган икки нуқтадан иборат тиниш белгиси (:).

БАЁННОМА [баён + нома] **1** *айн.* **баёнот 1**. *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг баённомаси.*

2 Мажлис, йиғилиш, кенгаш ва бошқа тур анжуманларнинг боришини ва улар қабул қилган қарорларни аниқ, сиқиқ ҳолда қайд қилувчи ҳужжат. *Мажлис баённомаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий кенгаши мажлисининг баённомаси.* ▬ *Баённомани ёзишни ташкил қилиш котибнинг асосий вазифаларидан биридир.* «Иш юритиш».

3 *эск. айн.* **манифест.**

БАЁНОТ [*а.* بيانات — «баён» сўзининг кўплиги — билдириш, эълон қилиш; декларация] **1** Давлатлараро дипломатик муносабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва шу каби масалалар ҳақида манфаатдор томонларнинг расмий фикрлари, қараш-

лари ҳамда мақсадларини ифодалайдиган ҳужжат. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти.*

2 Бирор нарса ёки воқеа ҳақида ёзилган маълумот, хабар. *Биз бу икки маймун тўғрисида қисқагина баёнот шаклида изоҳат кўринишида бир нарса ёзиб кетсак..* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БАЁНЧИЛИК *эск. ад.* Баён жанри (*қ.* **баён 2**).

БАЁТ I [*а.* بيات – тунаш, тунаб қолиш] *мус.* **1** Шашмақомнинг учинчи – Наво мақомларига кирадиган куйлар гуруҳларидан бирининг номи (*қ.* **шашмақом**). *Баёти Ажам. Баёти турк, Ўйин баёти.* ▬ *«Гулёр»га сол созингни, «Баёт»га сол бозингни. Тинчлик қўшиғин бошла, Эшитай овозингни.* «Халқ қўшиқлари».

2 *кўчма* Овоз; қичқириқ. *Хўрозлар баётин авжи тонготар, Суйимли нигоҳи эркаларида..* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

БАЁТ II *этн.* Қадимги ўғуз қабилаларидан бирининг номи.

БАЖАРМОҚ 1 Бирор иш, режа, мажбурият ёки топшириқни амалга оширмоқ, бажо келтирмоқ, адо этмоқ. *Белгиланган ишни ўз вақтида бажариш керак.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Хоҳиш-иродамизни сўзсиз бажарасан.* «Шарқ юлдузи». *Агар менинг топширган топшириғимни бажарсанглар, вазирлик ўринларингда қолдираман.* «Луқмони Ҳаким».

2 Бирор ҳаракатни ижро этмоқ (роль, мусиқа, рақс ва ш. к. ни.). *Баъзан у ролни жуда қийинчилик билан бажарар, кейин ёлғиз қолганда, ўзи қотиб-қотиб куларди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАЖО [ба.. + *ф.* (جا (ى – ўрин, жой] **1** *рвш.* Маъқул тушадиган, мақсадга мувофиқ бўлган; чакки эмас; дуруст, жойида. *Хўб бажо иш қилдингиз-да.* ▬ *-Пастқам жой экан,* – *Аҳмад Ҳусайн шивирлади,* – *Манзил бажо!* Ойбек, Нур қидириб. *-Ишлар бажо! Отланинглар!* – *деди уста Замон.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *..ана шу чўпонга чўлиқ бўлсам, айтганларини югуриб-елиб бажо қилардим.* «Ёшлик». *-Қиличим ўткир, тиғим бурро. Ҳукмингизни бажо келтираман,* – *деди хон.* «Луқмони Ҳаким».

Бажо келтирмоқ (*ёки* **этмоқ, қилмоқ**) Бирор ишни, топшириқни ўрнига қўймоқ, адо этмоқ. *Ҳар ҳолда.. ҳурматларини бажо келтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни деб келдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бандаликни бажо келтирмоқ** *қ.* **бандалик 1**.

2 *кесим взф.* Хўп, хўп бўлади, бажонидил. *Эртага Ғузорнинг оғзи катталарини қалъага тўплангиз! -Бажо!* – *қуллуқ қилди бек.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

БАЖОНИДИЛ [*ф.* باجانودل – жон ва дил билан] *рвш.* Жон-дилдан, сидқидилдан; жон деб, жон-жон деб. *-Хон чақирган бўлса, бажонидил борайик,* – *деб шогирди билан хоннинг олдига кетган экан.* «Луқмони Ҳаким».

БАЗА [*юн.* basis – асос, негиз] **1** *архит.* Устуннинг, колоннанинг асоси, пастки йўғон таянч қисми.

2 Халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий соҳаларнинг асоси, негизи, таянчи: *Моддий-техника базаси. Экспериментал база. Иқтисодий база.* ▬ *Моддий-техника базамиз маълум даражада янгиланади ва сифати яхшиланади.* Газетадан. *Мактаблар ва ўқув юртларининг моддий базаси анча мустаҳкамланди.* Газетадан. *..адабий тилимиз илгариги китобийликдан қутулиб, жонли халқ тили базасига ўтди.* «ЎТА».

3 Муайян моддий нарсалар тўплами, мажмуи; заҳираси. *Озуқа базаси. Ем-хашак базаси. Хомашё базаси.* ▬ *Мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтирмай туриб, чорвачиликни ривожлантириш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмайди.* Газетадан.

4 Муайян хизматлар кўрсатиш ва керакли жиҳозлар билан таъмин этиб туриш мақсадида барпо қилинган махсус жой, макон. *Туристлар базаси. Авиация базаси. Ҳарбий-денгиз базаси. Спорт базаси.* ▬ *Ўқувчилар.. туристик базаларда дам олишни бошлаб юбордилар.* Газетадан. *Пойтахтимиз ва Республиканинг бир қатор шаҳарларидаги йирик спорт базалари Спартакиада ихтиёрида бўлади.* Газетадан. *Болалар майдончалари, спорт комплекси, спорт-байдарка базаси қурилди.* Газетадан.

5 Моддий заҳиралар сақланадиган бино, иншоот; омбор. *Таъминот базаси. Савдо базаси.* ▬ *Жуман ака чойнак-пиёла олгани станцияга тушса, базага бир вагон мол келиб, омбор мудири юк тушириш билан банд экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Нормамат узоқ*

йиллар район нефть базасида ишлади. Газетадан.

БАЗАВИЙ *кам қўлл.* Бирор нарса ёки соҳанинг таянчини, асосини ташкил этувчи. *Резервдагиларнинг кўпчилиги.. базавий корхоналарда икки ҳафталик стажировкада бўлди.* Газетадан. *Бунинг учун эса ҳар бир район базавий хўжаликларга эга бўлиши керак.* Газетадан.

БАЗАЛЬТ [*лот.* basaltes – синов тоши] Пайдо бўлишига кўра магматик, қорамтир-бўзранг, шишасимон тоғ жинси. *Атрофи чўл эмас, дашт эмас, аммо бўм-бўш, қақраб ётибди, йўл атрофида баъзан базальт қоялар тиккайиб кўринади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Ўша вақтларда лой кумуши деб аталган бу металл тез-тез учраб турадиган тоғ жинсларидан гранит ва базальт таркибида учрайди.* «Фан ва турмуш».

БАЗЗОЗ [*а.* بزّاز – газлама сотувчи] *эск.* Газлама билан савдо қилувчи дўкондор; газламафуруш. *Улгуржи, чакана савдогарлар, атторлар, баззозлар, мўйнадўзлар карвон келиб тушган саройлар атрофида уймалашиб қолдилар.* М. Осим, Ўтрор. *Қиз бу гапга чимматини сал кўтарган экан, баззоз бола қизнинг чиройлилигига беҳуш бўлиб, ақлидан адашиб, ётиб қолибди..* «Луқмони Ҳаким».

БАЗЗОЗЛИК 1 Газлама сотиш, баззоз иши билан шуғулланишлик. -*Ўн йил баззозлик қилган бўлса, жуда бойиб кетгандир, – деди Дилшод.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Газламафуруш (баззоз) дўконлари жойлашган, улар савдо қиладиган раста, қатор. *Пахтачилик зироатчиликда энг кўп даромад келтирадиган бўлгач, баззозликдаги дўконини акаси Аҳмадхўжага топшириб, ўзи Сойариқ қишлоғига кўчиб кетди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Эна, мана бу атторлик, баззозликда бир йигит бор эмиш, ҳусну жамоли офтобни хира қилар эмиш.* «Луқмони Ҳаким».

БАЗИС [*юн.* basis – асос] **1** *иқт.* Асос, негиз. *қ.* **база 1**,**2**.

2 *флс. иқт.* Жамият тараққиётининг маълум тарихий босқичида юзага келадиган ишлаб чиқариш муносабатлари йиғиндиси. *Базис жамият тараққиётининг муайян босқичидаги иқтисодий тузумдир.* Газетадан.

3 *геод. астр.* Ер юзининг маълум жойидан жуда аниқ қилиб бевосита ўлчаб олинадиган асосий чизиқ. *Жисм кузатилган икки нуқтани бирлаштирувчи тўғри чизиқ кесмаси базис дейилади.* «Астрономия».

БАЗЛ [*а.* بذل – совға, ҳадя] *эск. кт.* Ҳурмат-эҳтиром юзасидан сахийлик қилиб бериладиган ёки бағишланадиган нарса; инъом; туҳфа.

БАЗМ [*ф.* بزم – дабдабали зиёфат] **1** Мусиқа ва ўйинлар билан ўтказиладиган зиёфат, тўй, ўтириш; ўйин-кулги кечаси. *Қий-чув билан ўтган наҳорликдан сўнг ҳовлида яна базм бошланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дутор ёнига чилдирманинг чертмаги келиб қўшилгандан кейин, базм тағин ҳам жонланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Табиб, сиз карнай-сурнай чалдиринг, ноғоралар жарангласин, базм қурамиз.* «Ёшлик».

Базми жамшид Катта базм, дабдабали, шоҳона базм. [*Ҳусайн:*] *Ўҳў, базми жамшид қизиган экан-да, кулгиларингиз осмони фалакка кўтарилмоқда.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Катта ҳовлининг тўридаги шийпонда базми жамшид авжида эди.* О. Ёқубов, Диёнат. **Базм қурмоқ** Ўйин-кулгили, кўнгилочар йиғилиш, ўтириш уюштирмоқ. **Қизлар базми** *этн.* Никоҳ тўйида қиз фақат ўз дугоналари иштирокида ўтказадиган ўйин-кулги кечаси. *Унинг [Кумушнинг] вужуди қизлар базми ичида бўлса ҳам, хаёли аллақаёқларда учиб юргандек, кўзлари ўйнагувчи қизларда бўлса ҳам, ҳақиқатда бошқа бир нарсани кўргандек..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Табиатдаги жонли ва жонсиз нарсаларнинг кишига завқ берувчи хатти-ҳаракатларини ифодалайди. *Чумчуқлар дарахт шохларида ёздаги каби базм қуришган.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Кечаси ўрдаклар базми бошланади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Гулдурос, даҳшатли гулдурослар; чақмоқлар, чақинлар. Осмонларда чақмоқлар базми..* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё. *Олисдаги зовурда ёлғиз бақа аҳён-аҳёнда вақиллаб, шерикларини базмга чорлайди.* «Гулдаста». *Хилма-хил ёввойи гуллар теварагида капалаклар базм қуради, асаларилар ғувиллайди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

БАЗМАРО *поэт.* Базм пайти; базмда. *Базмаро қилганда хиргойи майин овоз этиб..* Ҳабибий. *Бу кеча базмаро раққосаи янги замон ўйнар, Чунон ўйнарки, ҳар ким кўрса гар мастона жон ўйнар.* Ҳабибий.

БАЗМГОҲ [базм + *ф.* گاه – жой, макон] Базм ўтказиладиган ёки ўтказилаётган жой, хона. *Аста-секин унинг уйи чоллар базмгоҳига, кичик «чойхона»га айланиб бораётганди.* «Шарқ юлдузи».

БАЗМОРО [базм + *ф.* آرا – безатувчи, зийнатловчи] *поэт.* Базмни қизитувчи, базмга жон киритувчи, ўтиришни қизитувчи.

БАЗМХОНА Базм ўтказилаётган ёки ўтказиладиган жой, уй, хонадон. *Ҳирот саройидаги ҳашаматли базмхона сарой амалдорлари билан гавжум.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *У истаган пайтида базмхонага кириб ишрат қиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

БАЗМЧИ 1 Базм иштирокчиси, қатнашчиси. *Давра қуриб ўтирган базмчиларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ нидоларини тасвирлашга тил кифоя қилмайди..* Ойбек, Танланган асарлар. *..базмчиларга қараб, гоҳ Аваз, гоҳ Холдор бир сўз айтиб, шаҳарга кираётибди.* «Гулихиромон».

2 Базмда иштирок этаётган санъат аҳли. *Базмчилар, ноғорачилар нағмасини қўйди, ўйинчилар ўйинини қўйди, либосларини кийди.* «Равшан».

3 Базм ўтиришини уюштирувчи шахс. *Тор кўчангиз тор экан, Йўлда базм бор экан. Базмчининг қизлари Шол кўйлакка зор экан.* «Оқ олма, қизил олма».

БАЗЎР [ба.. + *ф.* زور – қувват, қудрат; куч] *рвш.* Қийинлик билан, зўр келган ҳолда; зўрға, аранг. *Қўлини базўр чўзиб, қўнғироқ ипини тортди.* С. Сиёев, Аваз. *Аслида эса бу дардли сўроқ титраб, лабларидан базўр учди.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Ўша куни зерикканидан кунни базўр кеч қилди.* «Ёшлик».

БАЙ [*а.* بيع – савдолашиш, сотиш, келишиш] Савдо муомалаларида, ишга ёллаш ва ёлланишда ҳар икки томоннинг ўзаро келишуви.

Бай очмоқ Биринчи харидорга мол сотиб, савдони бошламоқ. **Бай пули** Савдода ёки ишга ёллаш-ёлланишда ўзаро келишувни мустаҳкамлаш мақсадида, тўланадиган пулнинг олдиндан бериладиган қисми. *Савдогар кулимсираган ҳолда бай пулини бериб жўнагандан сўнг, савдо устида ҳозир бўлган Исҳоқ сўфи ўзича бармоқлари билан ҳисоб юргизиб қарайди-да, домлага томон бошини чайқаб кулади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мардонбойга савдо қилиб олиш, бай пули бериш учун ваколат бериб.. юборилди.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Байида шундай эди** Шундай келишилган эди. **Бай қилмоқ** Савдо қилмоқ; келишмоқ. *Ахир бошда бай қилган эдик-ку, ҳар замонда бир ёлғон гапираман деб.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БАЙ-БАЙ *унд. с.* **1** Ҳайратланиш, ажабланиш ҳолати ёки таҳсин маъносини ифодалайди. *Бай-бай, шаҳаншоҳлар турадиган уйлар-а!* С. Нуров, Нарвон. *Бай-бай, унинг ялқовлиги, аммо тил деган бир қулоч.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эндигина ётоқхона зинапоясига етган ҳам эдики, балкондан пастга қараб турган қизга кўзи тушди: Бай-бай, чакки эмас-у!* «Ёшлик». *..баковул ичига қийма тиқилган какликларни олиб ўтяпти. «Бай-бай, мунча ҳиди яхши-я?» – деб ўйлади у, оғзининг суви келиб.* М. Осим, Ўтрор. [*Бурҳон:*] *Бай-бай, бу вино эмас, асал-ку, дўстим.* Уйғун, Ҳуррият.

2 Хушёқмаслик, норозилик, таассуфни ифодалайди. *Бай-бай! Келин деган ҳам шундоқ, латта қўғирчоқ бўладими?* С. Аҳмад, Сайланма. *Бай-бай, бу болаларнинг дастидан ўлиб бўлдим; ахир бу тош қурт, жиғилдонларингни тешиб юборади-ку.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Бай-бай, ғоят хунук иш бўлибди,– деди домла ғамгинлик билан.* «Муштум».

БАЙБАЙЛАМОҚ 1 Бай-бай дея, афсус, ажабланиш, таҳсин, норозилик кабиларни ифодаламоқ, билдирмоқ. *Мамарайим афанди байбайлаб келиб, кавушни дарров олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир гал апил-тапил калласини сувга пишаётганда, қоровул чол кўзи тушиб қолиб, байбайлади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Икки киши Азизийнинг байбайлашига қарамай, чалпак қилиб, Қодиржоновнинг уйига судрашди.* «Муштум».

2 *кўчма* Амалга ошмай қолмоқ. *Кунлик график байбайлаганича қоғозда қолиб кетди.* «Муштум».

БАЙДАРКА [*р.* байдара – қайиқ] Ўртасида бир ёки бир неча эшкакчи сиғадиган тешик (люк)лар қолдирилган, қолган жойлари берк қилиб ишланган, икки томони куракcимон эшкакли, тор ва енгил спорт қайиғи. *Байдарка шумтол ёғочидан ясалиб, фанер, мато ёки алюминий билан қопланади.* «Саломатлик».

БАЙДОҚ *фольк.* **1** Туғ, байроқ. *Ол байдоғи пирпираб, Қолинди майдон ичида.* «Эрали ва Шерали». *Оқу қизил – кўп байдоқлар*

Қурилди майдон ичинда. «Эрали ва Шерали». *Қистаб етди туғ-байдоқнинг остига, Юсуфман Аҳмаднинг отин Аширбек..* «Юсуф ва Аҳмад».

2 *тар.* Ҳарбий бўлинма, бир байроқ остида хизмат қилувчи аскарлар гуруҳи. *Неча байдоқ лашкар келди, Келганининг бари ўлди.* «Маликаи айёр». *Лашкарлар байдоқ-байдоқ бўп, ёвмитларнинг устига қараб жўнаб кета берди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

БАЙЗО I [*а.* بيضا – оқ] **1** Ўта оқ, оппоқ. *Гарданинг байзолигидин тийрадур субҳи сафо.* Ҳабибий. *..Субҳи байзодек гул узра Шоми савдо тусли барг.* Э. Воҳидов.

2 Қадимги пўлатнинг оқ, ялтироқ бир тури. *Байзо сифат жиҳатидан исфаҳон пўлатидан сўнг иккинчи ўринда туради.* «ЎзМЭ».

БАЙЗО II *эск. поэт.* Қуёш, офтоб.

БАЙИР I **1** Қўлга ўргатилган ҳайвон (асосан от); жайдари. *Байир от.* ▬ *..раис билан Ўктам оёқ устида бир пиёладан қайноқ чой ичишди-да, қора байир ва қизил жийронга минишди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мен унинг йигитларига бир кам тўқсон байир берганман.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 *кўчма с.т.* Шароитга кўникиб, қадрдон бўлиб қолган. *Тақсирим байир хотинларининг устига.. ўн тўрт яшар қиз олиб.. ишрат камарини боғладилар.* «Муштум».

БАЙИР II Қумли чўлларда шамол оқибатида пайдо бўлган ботиқ жойлар. *Байирда кичик-кичик чуқурликлар билан бирга қатор қум тепаликлари ҳам бўлади.* «ЎзМЭ».

БАЙИРЛАШМОҚ 1 Маҳаллий шароитга ўрганиб, мослашиб қолмоқ (асосан от ҳақида).

2 *с.т.* Синалиб, қадрдон бўлиб қолмоқ.

БАЙЛАШМОҚ Савдо ёки ишда нарх ёки иш ҳақи ҳақида келишмоқ, савдолашмоқ; аҳдлашмоқ. *Қоплонбопликлар синч иморат қуришда тенги йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар тўрт-беш киши бўлиб, яхлит иморатни байлашиб олишади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *-Ишни кўнглингиздагидек қилиб бероламанми-йўқми, буни ҳозир ўзим ҳам айтолмайман, сиз ҳам билмайсиз. Шунинг учун байлашмаймиз, – деди уста.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

БАЙНАЛМИЛАЛ [*а.* بين الملل – миллатлар ўртасидаги, миллатлараро] **1** Халқаро, умуминсоний, умумхалқий. *Байналмилал терминлар. Байналмилал қадриятлар. Байналмилал аҳвол.* ▬ *Таржима – бу байналмилал жараённинг муҳим, қудратли омилларидан бири.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 *тар. эск.* Қўшиқ ва мусиқа номи. *Кейин залда байналмилал куйи янгради.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Байналмилал айтиб, байроқ кўтариб, Кўчага чиққанда ўктам сафдошлар..* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

БАЙНАЛМИЛАЛЛИК *кам қўлл. айн.* **байналмилал.** *Булар ўзларининг байналмилаллик бурчларини адо этиш йўлида.. қурбон бўлишди! Буни унутмайлик!* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИ Байналмилал ғоялар, мақсадларда олиб борилган халқаро сиёсий ҳаракатлар, ишлар, урушлар иштирокчиси. *Байналмилалчи жангчилар.* ▬ *Шоҳида опа бу ердаги олти йиллик меҳнат фаолиятида жуда кўп байналмилалчи малакали машинисткалар билан танишди.* Газетадан.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК *эск. тар.* Ишчилар синфи, уларнинг сиёсий партиялари мафкураси, сиёсатининг асосий тамойилларидан бири.

БАЙНАЛМИЛЛИЙ Миллатлараро муштарак бўлган; умумбашарий, умумхалқий. *Байналмиллий қадр ҳам – шахсий ҳамда миллий қадрдан кам эмас.* Газетадан.

БАЙНАЛХАЛҚ [*а.* بين الخلق – халқаро] *эск. айн.* **халқаро.** *Байналхалқ авантюрист, жосус Фредерик Бейли 1967 йил апрелида ўлди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

БАЙРАМ 1 Тарихий, маданий-маънавий анъаналарга кўра расмий ёки норасмий равишда уюштириладиган умумхалқ шодиёнаси куни, тантана куни. *Мустақиллик байрами. Наврўз байрами. Ғалаба байрами. Янги йил байрами.* ▬ *Янги йил байрами.. дилимизга яқин, ҳаммага бирдай қувончу фараҳ бахш этадиган, ёрқин туйғуларни уйғотадиган қутлуғ айём!* «Саодат». *Бугунги Наврўз байрами барча-барчага янги бахт, улкан зафарлар келтиради.* Газетадан. *Мен байрамларни жуда-жуда севар, жуда-жуда орзиқиб кутардим.* «Ёшлик».

2 Бирор-бир муносабат билан ўйинкулги иштирокида тантанали равишда ўтказиладиган тадбир. *Оилавий байрам. Арча байрами. Спорт байрами. Шеърият байрами.*

Санъат байрами. Пахта байрами. Болалар арча байрамидан уйларига хурсанд бўлиб қайтадилар. ▬ *Пахта байрамини ёр-жўралар билан Гулистон районида ўтказдик.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Вакилларимиз санъат байрамига жиддий тайёргарлик билан келдилар.* Газетадан.

3 *кўчма* Вақтичоғлик, хурсандлик; бахт, омад. *Жони соғга кунда байрам, кунда тўй.* Мақол. *Эшакнинг ўлими — итнинг байрами.* Мақол. ▬ *Унинг [аёлнинг] борлигининг ўзи — жамиятнинг байрами.* Газетадан.

БАЙРАМБОЗЛИК *с.т.* Фойдали иш ўрнига ҳадеб ўйин-кулги билан овора бўлиш. *Жамиятда дангасалик ва байрамбозлик эмас, балки ҳалол меҳнат тантана қилмоғи керак.* Газетадан.

БАЙРАМЛАШМОҚ *с.т.* Байрам кунлари кўпчилик бўлиб сайр-томоша қилмоқ; байрамни биргаликда нишонламоқ. *Байрамлашиб, шаҳар айландик. Байрамлашиб келди.*

БАЙРАМЛИК Байрам муносабати билан яқин кишиларга бериладиган туҳфа; байрам совғаси; ҳайитлик. *Келинингизга мана буни [крепдешинни] олдим, сизга уч-тўрт байрамликни бир қилиб олиб келаман.* Ў. Умарбеков, Она.

БАЙРАМОЛДИ Байрамга яқин қолган, байрам арафасидаги. *Байрамолди режалари. Байрамолди тадбирлари. Байрамолди тайёргарликлари. Байрамолди концерти.* ▬ *Энг ачинарлиси, байрамолди кунлари айрим пулпарастлар давлат транспорти ҳисобига бойиб қолишни ўзларига касб қилиб олмоқдалар.* Газетадан. *Полк омборига ўтиб, байрамолди совғаларини олиш ҳақида интендант билан гаплашиши керак эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

БАЙРАМОНА Байрам тантаналарига мос; байрам маросимларига муносиб. *Байрамона безатилган минбарга ҳамма учун таниш кишилар кўтарилдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шанбаликнинг барча қатнашчилари байрамона кўклам кайфиятида.* Газетадан.

БАЙРОҚ 1 Ёғоч ёки металл дастага, сим ёки чилвирга маҳкамланган, бир ёки бир неча рангли, давлат, ташкилот, уюшма, ҳарбий қисм ва ш. к. ларга қарашлиликни ифодаловчи герб, эмблема ва бошқа рамзий белгилар, безаклар тасвири туширилган муайян ўлчамдаги мато; алам, ялов; туғ. *Давлат байроғи. Дивизия байроғи. Кўчма байроқ. Байроқ ўрнатмоқ.* ▬ *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрь ва 1992 йил 3 июлда бўлиб ўтган сессияларида Республика Давлат байроғи, Республика Давлат герби тасдиқланди.* «Ўзбекистон Республикаси». *Бирдан унинг кўзи байроқ кўтариб турган бир тўда паранжили хотинларнинг суратига тушди.* С. Зуннунова, Олов.

2 *кўчма* Мақсад, ғоя, йўл. *Тинчлик байроғи. Озодлик байроғи, Мустақиллик байроғи. Адолат байроғи.* ▬ *Буюк орзу қовуштиргай халқлар бошини, Буюк орзу адолатни айлагай байроқ!* «Ёшлик». *Ёш ойбеклар байроғини Кўтарайлик баландга. Дўстим, жонни бахш этайлик Фақат она-Ватанга.* А. Орипов.

3 *махс.* Ўзбек кулолчилигида кенг қўлланадиган, байроққа ўхшаш безак. *Сопол идишларнинг четларидаги ҳошиянинг баъзи тури ҳам байроқ дейилади.* «ЎзМЭ».

БАЙРОҚДОР 1 Қўшин сафида ёки намойишчилар олдида байроқ кўтариб борадиган шахс. *Элмурод саф олдига югуриб кетди ва байроқдор билан ўрин алмашди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Байроқча билан ишора қилиб, бирор йўлга ёки томонга йўналтириб турувчи киши. *Байроқдорлар учувчига нишон белгилаб туришарди, буни энди билди Қудрат.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 *кўчма* Кўзланган мақсадни, илғор ғояни амалга оширишда етакчилик қилувчи, олдинда намуна бўлиб борувчи. *Халқимиз тинчлик учун кураш байроқдоридир.* ▬ *Эзгу ниятларнинг байроқдори деб, Сени шарафлайди замину замон.* А. Орипов.

БАЙРОҚЛИ 1 Байроққа эга бўлган, байроғи мавжуд.

2 Байроқ билан тақдирланган, байроқ олишга сазовор бўлган. *Кўчма байроқли полк.*

БАЙРОҚЧА 1 Таниқлик белгиси, бирор нарсанинг ишораси, рамзи бўлган, байроқ шаклидаги мато парчаси; вимпел. *Лейтенант қизларнинг қўлига байроқчалар бериб, у ёқбу ёққа йўл кўрсатишни ўргатяпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *ҳарб.* Харитада, ҳарбий машғулот столи ёки доскасида кичкина байроқ шаклида чизилган ёки қадалган белги. *Муҳим шаҳарлар харитада байроқчалар билан кўрсатилган.*

БАЙТ I [*а.* بيت – уй, хона; бўлма] **1** *ад.* Шарқ шеъриятида аруз вазнида ёзилган ғазал, қасида, маснавий каби асарларнинг бир бутун икки мисраси, банди. *Ғоявий-бадиий томондан бир бутунликни ташкил қилган икки мисра шеър байт саналади.* «ЎзМЭ». *Адабиётимизда рубоий каби тўрт йўл, байт каби икки йўлдан иборат шеърий шаклларнинг пайдо бўлиши ҳам бежиз эмасдир.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Агар мазкур шеър бамисли бир қуш бўлса, бу байт унинг тожи-ку, мавлоно!* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Умуман, ҳар қандай шеър, шеърий парча. *Нечоғ бахтиёрман таъзимда шу тоб Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт.* А. Орипов. *Мунча ширин байтингиз, омон бориб қайтингиз, Ғолиб, барно йигитга биздан салом айтингиз.* Т. Тўла.

3 *кўчма* Ёқимли овоз, оҳанг. *Ёмғиржон, бир қўшиқ айтки, томларни тарақлат. Япроқларни ювиб қайт, йўлкаларда байт тарат.* Отаёр, Оқ фасл.

4 *махс.* Ўзбек халқ амалий санъати (бадиий мискарлик, кулолчилик, рихтагарлик)да қўлланадиган нақш ва безак турларидан бири. *Байт буюмга ўзига хос нафосат, бадиийлик бахш этади.* «ЎзМЭ».

БАЙТ II *эск. кт.* Истиқомат қилиш, яшаш учун қурилган уй, хона; манзил. *Байти вайрона – хароба, вайрона бўлган уй. Байти маъмур – ободон уй.* ▬ *..уйни араб байт дер.* А. Навоий, Мезонул-авзон.

БАЙТАЛ Урғочи от; бия. *Байтал чопиб пойга олмас.* Мақол. ▬ *Тоғ этакларидан қор кетиб, пастликлар яшилланиб қолган апрель ўрталарида байталим қулунлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БАЙТАЛМОН [**байтулмол** сўзининг маъно ва талаффуз жиҳатидан бузилган шакли] *с.т. қарғ.* Эгасиз, қаровсиз қолгур; сабил, ордона. *-Яғир ёстиғингизни ерга қўйинг, – деди Холнисо [Бўтакўзга], – байталмонни мунча қучоқлайсиз.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Байталмон кетмон ярим пуд бўлса, жамулжам бир ярим минг пуд дегин.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БАЙТАР [*а.* بيطار – мол табиби, доктори] *эск. айн.* **ветеринар**. *Хаста молга байтар даркор бўлганидек, жони оғриган улусга ҳам бир табиб лозимдир.* С. Сиёев, Аваз.

БАЙТАРИЯ [*а.*] *эск. айн.* **ветеринария.**

БАЙТУЛАҲЗОН, байтулҳазан [*а.* بيت الاحزان, بيت الحزن – ғам-ҳасрат(лар) уйи, ғамхона] *эск. кт.* **1** Ғам-ҳасрат уйи; ғамхона. *Лабингнинг ёди-да қонлар ютубон, Ётибмен бир ғариб байтулҳазанда.* Фурқат.

2 *кўчма* Фақирона, зерикарли уй; кулба. [*Мунтазир*] *Тожибойнинг қўлидан хуржунини олди: -Байтулаҳзонга марҳамат қилинсин.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Суруру шодликни даҳр боғида нечук кўргай, Камина Фурқатийнинг маскани байтулҳазан бўлса.* Фурқат.

БАЙТУЛЛО(Ҳ) [*а.* بيت الله – Оллоҳнинг, тангрининг уйи] Маккадаги зиёратгоҳ – Каъбанинг иккинчи номи. *[Мастура Мирзарайимбойга:] Сизни деб қора бўлган бу юзларимни байтуллога суркамай ўлсам, рўзи қиёматда қандай бош кўтараман?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

БАЙТУЛМОЛ [*а.* بيت المال – хазина, мол турадиган жой] *эск.* **1** Давлат хазинаси; давлатга қарашли бўлган бойлик.

2 Эгасиз қолиб, давлат ихтиёрига ўтган мол-мулк.

3 Давлатга тегишли бўлган бойликлар сақланадиган махсус жой, бино.

БАЙТҚЎРҒОНИ(Й) *бот.* Ўртапишар қовун нави. *Лекин куз фаслида бозорга тушган қовунхўрлар бу лаззатли байтқўрғони, кўкча каби номларни ҳаммавақт ҳам билавермайди.* «Фан ва турмуш».

БАЙТ-ҒАЗАЛ, **байту ғазал 1** Байтлар ва ғазаллар. *Бу сўзларни бунда қаландар айтди. Бир неча байт-ғазалин айтди.* «Ширин билан Шакар».

2 *кўчма с.т.* Насиҳатомуз ёки шикоятомуз гап; дард-ҳасрат қилиш. *Шолипояни сотаман, индин пул оламан, фалон-тугун, деб анча байт-ғазал ўқиди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

БАК [*голл.* bak – тоғора; эски қайиқ] **1** Суюқликлар сақланадиган металл идиш. *Бензин баки.* ▬ *Ўзлари кабинага чиқиб олиб, керосин бак кўринмайди дейдилар.* «Аския».

2 Сув иситиш, чой қайнатишга мўлжалланган, самоварга ўхшаш катта металл идиш. *Ғанижон, катта бакларнинг чойи ширин бўлмайди, ичи қотиб қоларкан.* «Аския».

БАКА-БАНГ *тақл. с.* Ноғора, чилдирма, барабанлар товушини ифодаловчи сўз. *Ўша заҳоти қулоқни ёргудек бўлиб чилдир-*

ма бака-банги янгради. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

БАКАЛАВР [*лот.* baccalaureus] Баъзи мамлакатларда ва Ўзбекистонда: олий таълим дастурининг биринчи босқичини тугаллаган талабаларнинг илмий даражаси.

БАКАЛАВРИАТ Баъзи мамлакатларда ва Ўзбекистонда: мутахассисликлар бўйича фундаментал ва амалий таълим берадиган, ўқиш камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълим.

БАКОВУЛ, **буковул 1** *эск. тар.* Подшоҳ, хон ва лашкарларга овқат тайёрлаш устидан назорат олиб борувчи, ҳукмдорга таом тортишдан олдин уни аввал ўзи тотиб кўрувчи мансабдор; бош ошпаз (15-аср ва ундан кейинги давр). *Нақл қилишларича, ушбу таом [ажабсанда] Бобур саройининг баковуллари ижодига мансуб эмиш.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *-Гуноҳ шулким, — деди Бобур қатъий оҳангда, — баковулларимиз сиздан қаттиқ ранжибдирлар: тортган таомларидан лоақал бир луқма танаввул этмас эмишсиз.* «Ёшлик». *Баковул бўшашганча бир четкада турарди.* «Шарқ юлдузи».

2 *тар.* Олтин Ўрда хонлигида қўшинга маош улашиш, ўлжаларни тақсимлаш сингари вазифаларни бажарувчи юқори мансабдор.

3 *шв.* Тўйларда таом тайёрловчи ошпаз, пазанда. *Юзлари тандирдан энди узилган нондайин қип-қизил, мўйловли бир одам баковул бўлди.* «Ёшлик».

4 Тўй ва байрам (ҳайит) муносабати билан ўтказиладиган кураш, пойга, улоқ (кўпкари) каби мусобақаларни бошқарувчи. *Булар тўйга баковул ҳам бўлади. Ҳар ким қўлдан келганини қилади.* «Интизор». *Аҳмаджон ота, মелиқўзи ва баковуллар музика садолари остида ўртага тушдилар.* «Ёшлик».

Тайёр ошга баковул Тайёрига айёр, қулай вазиятдан фойдаланиб қолувчи одам. *Қиз бўйига етгандан кейин, Мамасаид «тайёр ошга баковул» бўлди: «Мен энг яқин тоғаман, шунинг учун ота ўрнига отаман», деб даъво қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тайёр ошга баковул, деб шуни айтарканлар-да!* С. Зуннунова, Олов.

БАКОВУЛБОШИ *эск. тар.* Ошпазлар бошлиғи, ошпазлар устидан назорат қилувчи амалдор, бош ошпаз. *Баковулбоши, юзбоши, саркардалар иш устида эдилар.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё.

БАКОР [*ф.* بکار — ишга, иш билан]: **бакор келмоқ 1** Кунига ярамоқ, яроқли, керак бўлмоқ, бирор кор-ҳолига асқатмоқ. *Туркистондан чиққанимда, ҳавонинг иссиғига кўйлакчан чидай олмас эдим. Энди пахтали камзулим ҳам бакор келмай қолди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Тенг келмоқ, бас келмоқ. *Унга ҳеч ким бакор кела олмайди.*

БАКОРАТ [*а.* بکارت — поклик, қизлик] *эск.* Қизлик, бокиралик, иффатлилик.

БАКРА, бакрабалиқ Осётрсимонлар туркуми ва осётрлар оиласига мансуб, танаси дуксимон, тумшуғи узун балиқ. *Бакрабалиқ моллюскалар, умуртқасиз жониворлар ва сув ўсимликлари билан овқатланади.* «ЎзМЭ».

БАКТЕРИАЛ 1 Бактерияга оид, бактерияга хос. *Бактериал касалликлар. Бактериал фильтрлар.*

2 Бактериялар ёрдамида ҳосил қилинадиган, тайёрланадиган. *Бактериал ўғитлар.* ▬ *Бактериал ўғитлар тупроқ шароитига қараб ишлатилади.* «ЎзМЭ».

БАКТЕРИОЛОГ Бактерияшунослик мутахассиси, бактериология олими.

БАКТЕРИОЛОГИК 1 Бактериологияга оид. *Бактериологик лаборатория. Бактериологик усул. Бактериологик тадқиқот.*

2 Бактериялар иштирокида тайёрланган, бактериялар ёрдамида олиб бориладиган. *Бактериологик қурол. Бактериологик уруш. Бактериологик ҳужум.*

БАКТЕРИОЛОГИЯ [бактерия + *юн.* logos — билим, тушунча] Бактериялар ҳақидаги илмий таълимот, микробиологиянинг бактерияларни ўрганадиган бўлими. *Умумий бактериология. Тиббиёт ва ветеринария бактериологияси. Қишлоқ хўжалик бактериологияси.*

БАКТЕРИЦИД [бактерия + *лот.* caedo — ўлдираман] Бактерияларни ва бошқа микроорганизмларни ўлдирувчи, зарарсизлантирувчи. *Бактерицид моддалар. Бактерицид қоғоз.*

БАКТЕРИЯ [*юн.* bakterion — таёқча] Бир ҳужайрали, асосан таёқча шаклида бўладиган микроорганизмларнинг катта гуруҳи. *Зарарли бактериялар. Фойдали бактериялар.* ▬ *Бактериялар тупроқда, сувда, сув ҳав-*

залари заминида ва бошқа жойларда тарқалган. «ЎзМЭ».

БАЛ [*фр.* bal < baller < *лот.* ballare – ўйнамоқ, рақсга тушмоқ] Бирор воқеа муносабати билан оммавий кўнгил очиш учун уюштирилган рақс кечаси, ўйин-кулги кечаси. *Бал-маскарад. Янги йил бали.* ▬ *Дўстлик тароналари энди халқлар дўстлиги бали ўтаётган бинода янада кучлироқ янграрди.* Газетадан.

БАЛАБОН, **буламон** *эск. мус.* Сурнай шаклли, аммо ундан кичикроқ бўлган, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. *Балабон ёнғоқ ёки ўрик ёғочидан ичи ўйилиб ясалади.* «ЎзМЭ». *..қизлар.. ғижжак, балабон чалиб.. неча ўйинчи барнолар қош қоқиб, ўртага тушиб ўйнаб турибди.* «Равшан».

БАЛАДИЯ [*а.* بلديّه – шаҳар бошқармаси] *эск.* Коммунал хўжалик. *Баладия шўъбаси – коммунал хўжалик бўлими.*

БАЛАЛАЙКА [*қад. р.* балы – гап сотиш; ҳазил. + байка – ҳикоя; эртак; гапириш] Қорни учбурчак шаклли, уч торли, ҳамма торлари баравар чертиб чалинадиган рус халқ мусиқа асбоби. *Балалайкадан яккахонликда ва ансамблда, қўшиқ, лапар, рақсларга жўровозликда фойдаланилади.* «ЎзМЭ». *Коля балалайкасини чертар, Аҳмаджон.. лунжини шишириб, най чалар, Қобил фарғонача рақсда Раънони енгишга тиришарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

БАЛАНД [*ф.* بلند – юқори] **1** Пастдан юқорига томон ўлчами узун; қадди, бўйи узун; новча. *Баланд минора. Баланд девор. Баланд том. Бўйи баланд. Баланд тоғ.* ▬ *Икки ёғи баланд тоғ – пиёда юрса, оёғи куяди.* «Нурали». *Машина бир баланд тепанинг орқасига ўтиб тўхтади.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

2 Ер юзасидан ёки бошқа бирор сатҳдан, нуқтадан юқорида жойлашган. *Баланд остона. Баланд токча. Тошкент денгиз сатҳидан 480 метр баланд.* ▬ *Ҳовуздан йигирма қадамча нарида ердан одам бўйи баланд кўтариб солинган каттагина шийпон.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Куч даражаси белгиланган меъёрдан ортиқ, кучли; юқори. *Баланд босим. Баланд ҳарорат. Баланд овоз.* ▬ *Иситмаси баланд, босинқираяпти.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Янгаси овозини баланд кўтариб шанғиллади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Хотин овозини баланд чиқазишга қўни-қўшнидан андиша қиларди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кулги баландроқ кўтарилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 *кўчма* Баъзи белги, хусусиятларнинг ортиқ, юқори даражадалигини ифодалайди. *Қишлоқ қизининг ғурури баланд бўлади.* «Ёшлик». *Меҳнатдир тупроқдан бизни кўтариб, Азиз бошимизни қилолган баланд.* Ғ. Ғулом. *Баланд мартабали меҳмон ёнбошлаб сигара чекар, бошқалар камтарлик билан чўкка тушиб ўтирарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 Ер сатҳига нисбатан юқорида жойлашган нуқта; тепалик. *Арслон ака кранлар гуриллаган баланддан тушиб, атрофга қаради.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Бу сўзни эшитиб ойим Марғумон, Зина билан тушиб келди баланддан.* «Нурали». *Парисан, учарсан, албатта кўкка, Қирқ газдан юқори баландга учма.* «Гулшанбоғ». *Баландда, юлдузли кўкда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

6 *кўчма* Қадр-қимматли, эъзозли, юқори. *Ота ўғли бўлсанг, ота номин баланд тут.* Мақол. ▬ *Мижғов ва паст, ғийбат гаплардан Жажжи шеърим қўюрман баланд.* А. Орипов.

7 *кўчма* Унумли, самарали; мўл, кўп. *Агар сув олиб келинса, минг йиллардан бери чорва қийлари қатлам-қатлам бўлиб кетган бу жойда пахтадан энг баланд ҳосил олса бўлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

Баланд келмоқ 1) устун келмоқ, ғолиб чиқмоқ. *-Оғзингизга қараб гапиринг, ғийбат қилиб нима қилдик? – Обидов баланд келмоқчи бўлиб бўйнини чўзди.* С. Зуннунова, Олов. *Эр баланд келди, чойнакни чил-чил синдирди.* Газетадан; 2) бир-биридан ошиб тушмоқ, бир-биридан ўзмоқ, паст келмаслик. *Ҳай-ҳай.. болаларим, биттанг баланд келганда, биттанг паст бўлсанг-ку, олам гулистон.* И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор? **Баланд охурдан сув ичган** *қ.* **охур. Баланддан келмоқ** 1) ўзини катта олиб гапирмоқ, катта кетмоқ; 2) катта, юқори нарх қўймоқ, меъёридан ошириб юбормоқ. *Бунча баланддан келманг, паст тушинг. Сотасизми ахир, олайлик* (Савдолашишда). **Димоғи** (*ёки* **тумшуғи**) **баланд** *қ.* **димоғ. Кибр-ҳавоси баланд** Жуда ҳам ўзига ишонган, такаббур. **Қўли баланд** 1) омадли, иши йирик, омади келган. *Бу йил мўл ҳосил олсак, қўлимиз баланд бўлишини унутманг,*

азизим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) ғолиб келган, устун чиққан. *Аммо суғдийларнинг қўли баланд келиб турган бир пайтда ғаним томон Мароқанддан бир туман миқдорида қўшимча мадад олдим.* «ЎзМЭ».

БАЛАНДЛАМОҚ 1 Пастдан юқорига қараб ҳаракатланмоқ, йўналмоқ; юқориламоқ. *Самолёт жуда баландлаб кетди.* ▬ *Кўтарма кўзга кўриниб, сув баландлаб борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Меъёрдан ошмоқ; кучаймоқ, зўраймоқ. *Умар акам тажанглаша бошлади, овози яна баландлади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 *кўчма кам қўлл.* Қимматлашмоқ (асосан, баҳо, нарх-наво ҳақида).

БАЛАНДЛАТМОҚ Баландламоқ фл. орт. н. *Овозни баландлатмоқ.* ▬ *Қачон кўргансан, — деди.. чироқни баландлатаётиб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БАЛАНДЛИК 1 Ер сатҳидан юқоригача бўлган оралиқ масофа; юксак жойлашган фазо. *Ниҳоят, асфальт кўчадан ўнг томонга бурилдик ва баландликка ўрлаган ўнқир-чўнқир йўлга тушдик.* «Саодат». *Узоқдан, ой баландлигидан она-Ер янада гўзалроқ кўринади.* «Гулдаста». *Баландлиги тўрт-беш терак бўйи келади.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

2 Текис ер ёки пастликдан юқори турадиган жой; макон; тепалик. *Кўктепа баландлиги, агар «тили бўлса айтарди..»* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Олдинда йўл бошловчи, кейинда Назирали билан кампир баландликка кўтарилишди.* Ойдин, Мардлик-мангулик.

3 *кўчма* Ингичка ёки йўғонлик (товуш, оҳанг ҳақида). *Ҳаракат тезлиги ошганда, товуш баландлигининг ўзгаришини изоҳлаш осон.* «Фан ва турмуш».

4 *геом.* Геометрик шаклнинг (кўпбурчак, кўпёқ, конус, цилиндр ва б.) юқори нуқталаридан асосига туширилган энг катта перпендикуляр. *Конуснинг баландлиги. Кўпбурчакнинг баландлиги. Кўпёқнинг баландлиги.*

БАЛАНДПАРВОЗ [*ф.* بلندپرواز — юқори учувчи] **1** Юқори, юксак учадиган. *Бургутдай баландпарвоз бўлиш учун кулоч-кулоч қанот керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *кўчма* Ўзини катта олувчи; гердайган. *Баландпарвоз одам.*

3 *кўчма* Ҳавойи (бежама) гаплар билан меъёридан оширилган; қуруқ, сохта. *Баландпарвоз ваъдалар. Баландпарвоз услуб. Баландпарвоз гаплар.* ▬ *Восифийнинг сарлавҳалари жимжимадор, баландпарвоз услубда тузилган.* «ЎзМЭ». *Яширишнинг ҳожати йўқ, баландпарвоз гапларнинг мавриди эмас.* «ЎзМЭ». *Биз театр билан драматург ҳамкорлиги тўғрисида кўп вақт баландпарвоз гаплар айтамиз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БАЛАНДПАРВОЗЛИК Дабдабалилик, жимжимадорлик; сохталик. *У [Ойбек] халқ тилининг бениҳоя имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланган, аммо айни пайтда, мутлақо сунъийликка, баландпарвозликка, ялтироқликка йўл қўймаган улкан сўз заргаридир.* «ЎТА».

БАЛАНД-ПАСТ 1 *айн.* **паст-баланд.** *Қўшин жўнар баланд-пастда, Саф-саф бўлиб, даста-даста.* «Гулшанбоғ».

2 *кўчма* Турли-туман; тайинсиз. *Баланд-паст гаплар.*

БАЛАНД-ПАСТЛИК Ер сатҳининг нотекис ерлари, жойлари. *Бешинчи кун деганда арикча баланд-пастликлардан ўтиб, эски изга тушди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БАЛАНС [*фр.* balance — тарози < *лот.* bilanx — тарозининг иккита палласи] **1** Мувозанат, тенглик. *Ош тузи организмнинг сув баланси билан боғлиқ бўлган туз алмашинувини таъминлайди.* «Фан ва турмуш».

2 *бухг.* Доимо ўзгаришда бўлувчи кирим-чиқим, даромад ва буромаднинг ўзаро нисбати ёки мувозанатини ифода этувчи кўрсаткичлар тизими. *Савдо баланси. Бухгалтерия баланси. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари баланси. Жамоа хўжалиги баланси.* ▬ *Улар жамоа хўжалиги балансида турибди.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Иссиқлик баланси *физ. тех.* Иссиқликнинг ажралиши ва сарф бўлишини ўзаро қиёслаб чиқарилган якун. *Двигателнинг иссиқлик баланси.* **Фаол (актив) баланс** Кирим (даромад) чиқимдан, буромаддан ортиқ бўлган баланс. **Нофаол (пассив) баланс** Кирим (даромад) чиқимдан, буромаддан кам бўлган баланс.

БАЛАНСИР [*фр.* balancier — шайин; тарози] *тех.* **1** Машиналарда, механизмларда уларнинг турли қисмларига илгариланма-қайталанма ҳаракатни узатувчи икки елкали ричаг, икки елкали пишанг. *Жуман машинани кўриб, ҳайрон бўлди: ричагга тош тақалиб, балансир портлаган эди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *айн.* **лангар** II.

3 Соат механизмининг асосий йўналтирувчиси (регулятори).

БАЛАНСИРОВКА *тех.* Машиналарнинг айланувчи қисмларини баланслаш, мувозанатлаштириш, мувозанатга келтириш. *Машина баллонларини балансировка қилдирдим.*

БАЛАНСЛАМОҚ 1 *иқт.* Хўжалик ва савдода ўзаро боғланган соҳаларни бир-бири билан мувофиқлаштирмоқ, тўғри нисбатга келтирмоқ.

2 *бухг.* Балансларни якунламоқ, баланс чиқармоқ.

3 *тех.* Машина ва механизмларнинг айланувчи қисмларини мувозанатга келтирмоқ.

БАЛАНСОМЕР [баланс + *р.* мерить – ўлчамоқ] *тех.* Ер сиртининг ёки атмосферадаги исталган нуқтанинг радиация (нур) балансини ўлчайдиган асбоб. *Ўзбекистонлик олимлар.. биринчи бўлиб Тошкентда ўзлари ихтиро қилган балансомер ёрдамида ер сиртининг радиация балансини узлуксиз ёзиб бориш усулини ишлаб чиқдилар.* «ЎзМЭ».

БАЛБАЛА [*а.* بلبله – жўмрак] *тар. эск.* Май (ичимлик) қуйиладиган идиш, қадаҳ. *Ялангтўш сукутга толди. Анчадан кейин бошини кўтариб, бурчакдаги зар юритилган хонтахтада турган балбалага ишора қилди.* «Ёшлик».

БАЛДОҚ *шв. айн.* **ҳасса, қўлтиқтаёқ.** *У балдоққа суяниб юради.*

БАЛЕ [*а.* بَلَى – тасдиқ юкламаси] Ҳа, дуруст, яхши. *Фурқатий қошу кўзингдин фитналар кўрди, бале! Шўриш ўлмоқ расмдур, ой туғса ахтар устида.* Фурқат.

БАЛЕРИНА [*итал.* ballerina < *лот.* ballare – ўйнамоқ, рақсга тушмоқ] Балет раққосаси. *Балерина атамаси.. 20-аср бошидан барча балет раққосаларига нисбатан ишлатилади.* «ЎзМЭ».

БАЛЕТ [*итал.* balletto < *лот.* ballare – ўйнамоқ, рақсга тушмоқ] Асар мазмунини мусиқали хореографик образлар воситасида ифодалайдиган саҳна асари ва шундай асар учун ёзилган мусиқа. *Балет мактаби. «Севги тумори» балети.* ▬ *Балетда классик, характерли халқ рақсларидан, баъзи акробатик ва пластик рақслардан фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

БАЛЕТМЕЙСТЕР [*нем.* Balletmeister – балет устаси] Балет, опера, оперетта ва бошқа саҳна асарларидаги рақслар, хореографик кўринишларни саҳналаштирувчи шахс. *Балетмейстер балетда бош ижодкор бўлса, бошқа жанрларда ёрдамчидир.* «ЎзМЭ».

БАЛЕТЧИ 1 Балет раққосаси, раққоси.

2 *айн.* **балетмейстер.**

БАЛИ I [*а.* بَلَى – тасдиқ юкламаси] *с.т.* Балли. *Келиб тошларниирғитгай тўғонга, Бобо Рустам бали, дер паҳлавонга.* Ҳабибий.

БАЛИ II: **али деса, бали демоқ** *қ.* **али**.

БАЛИҚ I **1** Сузгичлари бўлган, ойқулоқлари орқали нафас оладиган, умуртқалилар кенжа типига мансуб сув жонивори. *Лаққа балиқ. Қора балиқ. Олтин балиқ. Зоғора балиқ. Сачратқи балиқ. Қизил балиқ. Балиқнинг тириклиги сув билан.* Мақол. *Кўлнинг отини балиғи чиқарар.* Мақол. ▬ *Балиқлар гавда ҳарорати беқарор, совуққон жониворлардир.* «ЎзМЭ».

2 Ушбу сув жониворининг гўшти. *Қовурилган балиқ. Тузланган балиқ. Балиқ комбинати. Эшак минган от сўрамас, Балиқ еган эт сўрамас.* Мақол. ▬ *Балиқни ҳар куни истеъмол қила бошлаган одамлар орасида инфаркт 50 фоизга камаяр экан.* «Фан ва турмуш».

3 Мучал йил ҳисобидаги бешинчи йил номи.

Балиқ йили *қ.* **мучал**.

БАЛИҚ, балиғ II *[қад. турк.] эск.* Шаҳар, қўрғон. *Бешбалиқ. Бойбалиқ. Оқбалиқ, Қорабалиқ (*жой номлари*).* ▬ *Туркий тилларда балиқ, балиғ, балуқ.. Энг сўнгги маъноси – шаҳар.* "ЎТА".

БАЛИҚҚЎЗ I *бот.* Шўрадошлар оиласига мансуб, шўрхок ерларда ўсадиган бир йиллик ўт. *Илгари ана шу адирларда бутун бир қишловга етиб, ортиб қоладиган емхашакбоп сунбул, сўзан, рўян, олабўта, балиққўз, жингул сингари юз хил тўйимли гиёҳлар тиззага уриб ётарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

БАЛИҚКЎЗ II Кўзи чақчайган, чақчайма кўз. -*Йўқ, бир нарсага пушаймон қилаяпман, – деди арслонқомат, балиққўз йигит.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БАЛИҚПАЗ Балиқ пиширувчи, балиқдан таом тайёрловчи ошпаз. *Балиқпаз икки бўлак чала пишган балиқ думини келтириб, чипта устига қўйиб кетди.* С. Сиёев, Аваз. *Балиқпаз кирди. Капитан унинг ҳам кимлигини ёзиб олди.* «Ёшлик».

БАЛИҚТОЗАЛАГИЧ *тех.* Балиқни тозалашга мўлжалланган махсус асбоб, қурилма. *Чўзиқ алюминий чўмич шаклидаги пластмасса қопқоқли балиқтозалагичдан фойдаланиш қулай.* «Уй-рўзғор энциклопедияси».

БАЛИҚТУТ *с.т.* Балхи тут. *Ҳовлининг ўрта ерида паканагина балиқтут ўсиб, остига кул ва бошқа ахлатлар тўпланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БАЛИҚФУРУШ Хом ёки қовурилган балиқни сотиш билан шуғулланувчи шахс. *Балиқфуруш, нўхатшўракчи ва каллапазлар ўз нарсаларининг таъриф-тавсифини қилиб, овозлари борича бақирардилар.* М. Муҳамماджонов, Турмуш уринишлари. *Энди менга бир қармоқ қилиб берсанг, енгил иш-да, мен балиқфурушлик қилсам.* «Нурали».

БАЛИҚЧИ 1 Балиқ тутиш (овлаш) билан шуғулланадиган шахс. *Бобом балиқчи донгдор, Мўйноқда чиқарган от.* А. Орипов. *[У] Математик, музикачи, балиқчи бўлиш билан бирга пазандаликка ҳам катта ҳисса қўшган одам бўлган.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

2 *зоол.* Сувдаги балиқлар билан тирикчилик қилувчи, чўлдуқсимонлар туркумига мансуб қушлар оиласи. *Кўк балиқчи. Кумуш балиқчи. Қорабош балиқчи.* ▬ *Балиқчининг ташқи тузилиши сув-ҳаво муҳитида яшашга мослашган бўлиб, оёқлари тўрт бармоқли, олдинги уч бармоғи орасида сузгич пардалари бор.* «ЎзМЭ».

БАЛИҚЧИЛИК 1 Балиқ овлаш билан шуғулланиш; балиқчи касби.

2 Сув ҳавзаларида балиқ заҳирасини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан шуғулланувчи соҳа; балиқ етиштириш билан шуғулланиш. *Балиқчилик хўжалиги. Балиқчилик саноати.* ▬ *Балиқчилик табиий сув ҳавзалари балиқчилигига ва сунъий ҳовуз балиқчилигига бўлинади.* «ЎзМЭ».

БАЛИҚЧИ-УККИ *зоол.* Балиқлар билан озиқланувчи, япалоққушлар оиласига мансуб қуш. *[Балиқчи-уккининг] Бармоқлари ва узун кафти патсиз, яланғоч, тирноқлари чангал бўлиб, сувда балиқ тутишга мосланган..* «ЎзМЭ».

БАЛИҚҚИЙҒИР *зоол.* Йиртқич қушлар туркумининг қийғирсимонлар оиласига мансуб бўлган, усти тўқ қўнғир, қорин томони оқ, оёғи кулранг, тумшуғи қора қуш. *Балиққийғир атрофи дарахтзор сув ҳавзаларининг қирғоқларида яшайди.* «ЎзМЭ».

БАЛКА [*лот.* balkus — хода] **1** Кўндалангига таъсир этувчи куч (оғирлик)ларни қабул қилувчи, ёғоч, металл ёки темирбетондан ясалган тўсин. *Темир балка. Ёғоч балка.*

2 Машина ва механизмлар детали. *Балка бино ва иншоотларнинг муҳим қисми, машина ва механизмларнинг детали ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

БАЛКАР *этн. қ.* **болқор.**

БАЛКАРЛАР *этн. қ.* **болқорлар**.

БАЛКИ [*ф.* بلکی — эҳтимол; аммо] **1** *боғл.* Зид маъноли гапларни, гап бўлакларини бир-бирига боғлаш, қиёслаш учун хизмат қилувчи сўз. *У содиқ қул, балки ундан баттар одам эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёлғиз ўзи эмас, балки бутун косиб аҳлининг аҳволи пачава эканини очиб ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кучлилик — курашда йиқитишда эмас, балки ғазаби келганда, ўзини босиб олишдадир.* «Фан ва турмуш».

2 *крш. с.* Гумон, тахмин маъноларини билдиради. *Балки, маҳалласидан ҳам хотинлар келгандир.* С. Зуннунова, Олов. *Балки, кутар мени бир қиз, кўзёшлари оқизоқ.* «Шарқ юлдузи». *Балки, бу қиз Она бўлур туғилажак ўғлимга.* Миртемир.

БАЛКИМ *эск. айн.* **балки.** *Қалби пок ишқ аҳлининг виждони, балким жонидир.* Ҳабибий.

БАЛКОН [*фр.* balcon < *лот.* balkus — хода] **1** Кўп қаватли бинонинг кўпинча иккинчи ва ундан юқори қаватларида ички хоналарга бириктириб, унинг олд, орқа ёки ён томонлари ташқарисига, ҳовли ёки кўчага қаратиб қурилган айвонча, майдонча. *Палатасига қайтаётиб, қўшниларининг эшиги ланг очиқ турганини кўрди.. Балконга чиқадиган эшик ҳам очиқ.* М.М.Дўст, Лолазор. *Ташқарида кимдир уришиб-жанжаллашаётганини эшитиб, Нусратбек балконга чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Театрнинг иккинчи ва ундан юқори қаватларида осма ҳолда қурилган томоша ўринлари.

БАЛЛ [*фр.* balle — соққа, шар] **1** Табиий ҳодисалар (зилзила, шторм, довул, шамол)нинг кучини ўлчаш учун қабул қилинган ўлчов бирлиги. *Зилзиланинг кучи саккиз баллдан ошди.*

2 Ўқувчилар, талабалар, спортчилар ва ш. к. ларга бериладиган, рақам билан ифодаланадиган баҳо. *-Менга бир балл қўшадиган бўлдингиз, домла, — билетни олгач, уни доцентга кўрсатди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *-Энг юқори баллни сизнинг қизингиз олди, — дейишиб кетма-кет Чинорий билан хотинини қутлай бошладилар.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

БАЛЛАДА [*фр.* ballade < *лот.* ballo — рақс тушаман] Драматик, тарихий-афсонавий, фожиавий ёхуд қаҳрамонлик мавзуларида ёзилган, муайян шаклдаги лирик, лиро-эпик шеър; шеърий жанр. *Баллада сюжетига кўпинча инсонлар ҳаётида тасодифан рўй бериб, уларнинг тақдирини ҳал этадиган ёки ҳаётида бурилиш ясай оладиган кескин воқеалар асос қилиб олинади.* «ЎзМЭ». *Энг катта бурун ҳақида кичик баллада.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

БАЛЛАСТ [*голл.* bal — қум, last — юк] **1** Кемалар, аэростат, локомотив ва ҳ.к.нинг ҳаракатланиш сифатини ёки учиш баландлигини ростлаш учун уларга ортиладиган юк.

2 *трнс.* Темир йўл шпаллари тагига қум, шағал, тош, домна тошқоли (шағали) каби материаллардан ётқизиладиган қатлам. *Балласт поезддан шпалларга тушадиган зўриқишни из кўтармасига бир меъёрда ўтказади, шпалларнинг силжиб кетишига йўл қўймайди, поезд ғилдиракларининг рельсга юмшоқ урилишини таъминлайди.* «ЎзМЭ».

3 *кўчма* Кераксиз (ортиқча) юк; дахмаза, дардисар.

БАЛЛАСТЕР *тех.* Темир йўл изларини балласт устига кўтариб қўювчи, текисловчи ҳамда ифлос балластни сидириб ташлайдиган машина. *Электр балластер. Пневматик балластер.* ▬ *Балластер йўл қурилиш ишларини анча енгиллаштиради, ишнинг унумини оширади.* «ЎзМЭ».

БАЛЛИ I [*а.* بَلَى — ҳа, албатта; тўғри] *унд. с.* **1** Маъқуллаш, тасдиқлаш, мақтов, таҳсин маъноларини ифодалайди. *[Жойни] Ўша очлик йиллари солганмиз. — Балли.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Балли, она қизим, — деди Меливой ака завқланиб.* С. Аҳмад, Уфқ. *Иззатулла ака боланинг бошини чипор шапкачаси устидан силаркан: «Балли» деб қўйди.* Газетадан. *Унинг фикрини маъқулловчи овозлар эшитилди: -Балли! Отангизга раҳмат.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Чўзиб талаффуз қилинганида, норозилик, кесатиқ маъноларини ифодалайди. *-Кўчада сен билан етаклашиб юрадиган хотинга балли-ей! — деди Зумрад.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

БАЛЛИ II [*фр.* balle — шар] *сфт.* **1** Муайян балл кучига эга бўлган. *Беш балли зилзила. Тўққиз балли довул.* ▬ *Кундузи олти балли зилзила, иморатларнинг қисир-қисири ваҳимани кучайтирди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Рақамлар системаси билан ифодаланган. *Беш балли система.*

БАЛЛИСТИК *физ.* Баллистикага оид, унинг қонуниятларига асосланган. *Қитъалараро баллистик ракета.* ▬ *Баллистик ракета қанотли ракетадан аэродинамик кўтариш кучи ҳосил қилувчи сиртининг йўқлиги билан фарқланади.* «ЎзМЭ».

БАЛЛИСТИКА [*юн.* ballo — иргитаман, отаман] Ўқ, снаряд, мина, бомба, ракета ва ҳ. к. ларнинг отилган маҳалдаги ҳаракати қонунларини ўрганадиган фан. *Ички баллистика. Ташқи баллистика.* ▬ *Ички ва ташқи баллистика физика-математика фанларига суянади.* «ЎзМЭ».

БАЛЛОН [*фр.* ballon — бўш шар < *итал.* pallone — тўп, копток] **1** Ҳаракатланувчи транспортнинг (мотоцикл, машина, трактор ва б.) ҳаво дамланадиган резина ғилдираги. *..сеялкадан тортиб экскаваторгача, бульдозердан тортиб машина баллонигача.. унинг қўлида.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Ундан нарида, томига сандал курси, машина баллони, хашак-хушак уйиб ташланган бостирма.* «Ёшлик».

2 Аэростатнинг газ ўтказмайдиган қобиғи.

3 Суюқлик ёки газ сақлашга мўлжалланган шиша, металл ёки резинадан ясалган оғзи тор идиш. *Шиша баллон. Резина баллон. Газ баллони.* ▬ *Касалхоналарда оксиген [кислород] ёстиғини тўлдириш учун алоҳида оксиген баллони бор.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

БАЛЛОНЛИ Баллони бор, баллон билан таъминланган; баллонга жойлаштирилган. *Икки баллонли газ қурилмаси. Газ баллонли автомобиль.* ▬ *Кейин газ киргизиб берди. Тўғри, табиий эмас, баллонли.* «Ҳарорат».

БАЛО I [*а.* بلا — синов; офат, мусибат, бахтсизлик] **1** Бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракат туфайли юзага келган офат, фалокат; ташвиш. *Тақдирнинг балоси кўп, сақланса панаси*

кўп. Мақол. *Ёмон тил бошга бало келтирар, Яхши тил давлат, дунё келтирар.* Мақол. *Садақа балони ер, тавба — гуноҳни.* Мақол. ■ *От бошига бало бўлди.* Ғайратий. *-Илоё омин, — кампир ҳам фотиҳа ўқиди, — қадам етди, бало етмасин!* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Бало борми? Ўринсиз иш, ҳаракат, ёқимсиз нарса ёки кимсага дуч келганда, ёқтирмаслик, норозилик (нима бор? нима қилиб юрибди?) маъносини ифодалайди. *Салтанатни қаерда кўрмай, сатанг бўп ясаниб олган бўлади. Икки чаккасидаги гажакка бало борми дейман!* «Ёшлик». *Пахта терими кетаётган долзарб пайт карантинга бало борми?* «Ёшлик». *Шу аёзда чарм кастумга бало борми?* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. **Балога қолмоқ** Ёмонликка дучор бўлмоқ, даъвосига қолмоқ. *Билмасдан гапирма! Балога қоласан, қизим!* Ҳамза. **Балойи азим** Улкан офат, мислсиз кулфат. *Монокультура деб аталмиш бу яккаҳокимлик бора-бора шундай бир балойи азимга айландики..* «ЎзМЭ». **Балойи нафс** *ёки* **нафс балоси** Очкўзлик, нафси бузуқлик орқасида бошга тушган кулфат. **Бало урмаслик** Ҳеч қандай шикаст емаслик, эсон-омон қутулиб кетиш. **Бало ўқи** Ўлим маъносини ифодалайди. *Бало ўқига нишон бўлмасдан бурун бу ишларни охирига етказишга ҳаракат қилар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида. **Бир бало** Номаълум, сирли, билиб бўлмас салбий нарса ёки ҳодиса. *Олдин, бу кампирга бир бало бўлган, деб ҳайрон бўлиб юрганлар.. бу аёл бир нарсани билар экан, деб тан беришди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бир бало борга ўхшайди ораларида.* С. Зуннунова, Олов. **Бошга бало бўлмоқ** Ортиқча ташвиш, дардисар бўлмоқ. **Нима (***ёки* **не, қандай) бало** Таажжуб, ҳайратланиш, ҳайрон қолишни, баъзан киноямуз сўроқни билдиради. *Нима бало, тўйни насия қилиб, келинни олиб кеволдингизми? дегувчилар ҳам бўлди.* С. Зуннунова, Олов. *Нима бало, болачақангиз кўпайиб кетдими?* «Гулдаста». **Сув балоси** Тошқин, сел ва ш. к. лардан келган офат. **Туҳмат балоси** Туҳмат орқасида бошга тушган кулфат. *Содиқ қулингиз.. туҳмат балосига гирифтор бўлиб, зиндонда сарғайиб ётибди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ўт балоси** Ёнғин маъносини ифодалайди. *Сув балоси, ўт балосини кўрганлар бор..* «Ёшлик». **Ҳар бало** 1) турли-туман нохушликлар; турли салбий ҳолатлар. *Асли Юнус олган ақлу ҳушимни, Ҳар балога солган менинг бошимни.* «Маликаи айёр»; 2) ҳар қандай нарса. *У ҳар балони билади.* **Ҳеч бало** Ҳеч нарса, ҳеч нима. *Бобо кўзларидан қочмас ҳеч бало, Бир зумда далани чиқар айланиб.* Миртемир. **Ҳеч балода йўқ** *ёки* **ҳеч балони билмайди** Ҳеч нарсани билмайдиган, қўлидан ҳеч иш келмайдиган (одам). *Бизда ҳам сергап, қуруқ маслаҳат берадиганлар жуда кўп-у, лекин [улар] амалда ҳеч балода йўқ.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *кўчма с.т.* Уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, ўз ишига пишиқ. *Бало қиз экан бу.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Эшниёз ака бало! — деб давом этди Равшан Рўзи.* Ш. Холмирзаев, Ёшлик. *Сайфиддин Умаров эсингдами, математикадан бало эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

БАЛО-БАТТАР, балойи баттар *с.т.* Ҳар хил майда-чуйда нарсалар, у-бу, қақир-қуқур. *Кўчада ётган эски тақа, занглаган мих, тугмача, шунга ўхшаш бало-баттарларга кўзи тушса, дарров олар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАЛОГАРДОН [бало + *ф.* گردان — даф қилувчи, қайтарувчи] Бало-офатлардан муҳофаза қилувчи; уларни даф қилувчи; қутқарувчи, халоскор. *Бир фалокат босиб иш пачава бўлса ҳам, шуларнинг ўзи балогардон.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Олис қолди Чамбил қўрғон, Ҳиммат берсин балогардон.* «Нурали».

Балогардон бўлмоқ Бировни ҳимоя қилиш учун ўзини ҳар қандай хавфу хатарга рўбарў қилмоқ. *Иғволарга балогардон бўлардинг, билсанг, Наҳот ўша савобинг ҳам бўлибди абас.* А. Орипов.

БАЛОДАЙ, -дек *рвш. с. т.* Туппа-тузук, бинойидек. *Ҳа, балодай хизматга яраб қолди. Ўқишни балодай билади.* ■ *Муҳаббатингиз балодай кийим танлайди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

БАЛОКАШ [бало + *ф.* کش — тортувчи, чекувчи] Балога мубтало бўлган; дард-алам чекувчи, бахтсиз. *Худоё худовандо.. якка ягоналигинг, раҳим ва раҳмонлиғинг ҳаққи, мендек бир балокаш гуноҳкор, ожиза бандангдан марҳаматингни дариғ тутмагайсан.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳужум этгай рақиблар бир балокаш хаста жонимга.* Ҳабибий.

БАЛО-ОФАТ, балою офат Турли кулфатлар, бахтсизликлар. *Бало-офатларни ен-*

гиб ўрганган халқ бу сафар ҳам жасорат кўрсатди. ▬ *Асрармиш у одамзодни Ҳар хил бало-офатдан.* О. Ҳакимов.

БАЛОН *қ.* **болон, болонья** *Балон плаш.* ▬ *Хотин башанг кийинган: эгнида шому саҳар атлас кўйлак, унинг устида шафақдай балон плаш, бошида плаш рангидан қуюқроқ дурра..* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

БАЛОХЎР [бало + *ф.* خور – еювчи] Бировнинг ҳақини еювчи, текинтомоқ. *Сизга бир қадоқ тилла бериб, халқдан ўн қадоқ қилиб олади. Бу шунақа балохўр!* «Муштум». *Нафси ҳаккалак отган балохўр кассир дастидан кўпчилик дод деб келган экан, раис уларни қайтариб юборибди..* «Муштум».

БАЛО-ҚАЗО, балойи қазо Инсон бошига тушадиган турли офатлар, мусибатлар. *Робия, инон, мен тирик бўлсам, сенга бало-қазони йўлатмасман!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бахтингиз энди кулади, синглим! Бало-қазодан қутулдингиз!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Бало-қазодек Кутилмаганда, тасодифан. *Шу замон бир тўда йигитлари билан бало-қазодек Мардонбек пайдо бўлади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Улуғ саркарда экансиз, бизни ғафлатда қолдириб, устимизга бало-қазодай бостириб келиб қолдингиз.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БАЛОҚ *шв. айн.* **поча**. *..у бола йигирмага киргунча шим кўрмаган, етти ёшгача мутлақо иштонсиз юрган, кейин балоқлари кенг бўз иштон кийган.* М. М. Дўст, Лолазор. *..эгнидаги кийимининг бутуни йўқ, енгларию иштонининг балоқларигача рўдаподай осилиб ётибди.* «Ёшлик».

БАЛОҒАТ [*а.* بلاغت – вояга етиш, бўйига етиш; етуклик] **1** Жисмоний жиҳатдан етилганлик, болиғлик. *Балоғат ёши. Балоғатга етмоқ.* ▬ *Қизиқ, балоғатга етган қиз муҳаббатни эмас, муҳаббатнинг ўзи уни излаб топади, деганлари рост экан.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Назиранинг ҳарир кўйлаги баданларига ёпишиб, унинг балоғат тароватидан эғилиб турган бор қоматини кўз-кўз этарди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 *кўчма* Ақлий ва маънавий жиҳатдан етуклик, камолот. *Ҳозирги замон фани ва унга муносабат олимнинг дунёқараши, идеали ва маънавий балоғати билан чамбарчас боғлиқ.* «Фан ва турмуш». *Сапар – балоғат палласига кириб бораётган ижодкор.* Газетадан.

3 *кўчма* Нотиқлик, сўзамоллик маҳорати, санъати. *Ҳамза мадрасада ўқиб юрган кезларида толиби илмларга тафсир, ҳадис, фиқҳ, араб тили ва адабиёти, мантиқ, балоғат ва шунинг каби диний ҳамда дунёвий фанлардан сабоқ берадиган хатиб ва мударрис Сафохон тўрага ихлос қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

БАЛХ(И) I: **балх(и) жўхори** Оқ жўхорининг эртапишар бир нави. **Балх(и) тут** [Афғонистондаги Балх шаҳри номидан] Меваси йирик, оқ рангли ширин тут, оқ тут. *Фарғоналиклар марвартак, тошкентликлар балх тути деб аташади уни.* «Муштум». *Шербек ҳовли ўртасидаги япасқи балхи тут тагидаги каравотга ечинмасдан чалқанча ётди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Балхи гумбаз** *архит.* Тўғри тўртбурчак хоналар устига қуриладиган пастак, ясси гумбаз. *«Қирқ қиз»нинг ўзига хос.. хусусияти яна шундан иборатки, хоналарнинг устини бекитишда турли-туман конструкциялар, яъни тоқи гумбаз.. балхи кабилар қўлланган.* Газетадан.

БАЛХ(И) II *фольк.* Оқ рангли рўмолнинг бир хили. *Балхи рўмоли бошидан, кўзи тўлмасин ёшидан.* «Нурали».

БАЛЧИҚ **1** Ёғингарчиликдан ёки сув босгандан кейин ҳосил бўладиган суюқ, ёпишқоқ лой. *Гавҳар балчиққа тушгани билан қиммати ўзгармас.* Мақол. *Олтин балчиқда ҳам олтин.* Мақол. ▬ *Устма-уст ёққан баҳор ёмғирлари йўлларни балчиқ қилиб юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Сув ҳавзалари (ариқ, дарё, ҳовуз, кўллар) тагига чўккан лой қатлами. *Билсангиз, бу ҳовузда балчиқ йўқ, Назар ота.* М.М.Дўст, Лолазор. *Қумрини чиқариб олиши билан Қамчининг ўзи ҳам балчиққа ботиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *кўчма* Оғир шароит; қийинчилик. *Вақти келганда, жиян, дўстлар қўлтиғингга кириб, балчиқдан тортмайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен балчиқда ётган бир аёлни ҳалоллаб олиб, савоб учун қўл чўзсам, ҳеч бўлмаганда худодан қайтар, деб ўйлагандим.* К. Яшин, Ҳамза.

4 *кўчма* Нотўғри, номақбул турмуш тарзи; жаҳолат. *Болаликнинг мусаффо дунёсидан чиқиб, балчиққа ботганлар кимлар? Кимларнинг фарзандлари?* «ЎТА». *Муҳиддин мингбошидан тортиб қишлоқ қозиларигача ҳафталаб шу ерда айш-ишрат балчиғига ботиб ётишмасмидилар?* Ҳ. Шамс, Душман.

Балчиққа қормоқ (*ёки* **ботирмоқ**) Бировни ҳаддан ташқари ёмонламоқ, бировга ноҳақ тухмат қилмоқ. *Раият олдида уламоларни балчиққа қориб булғаш яхшими?* С. Сиёев, Аваз. *Худо кўрсатмасин, бир ёмонлашга тушсак, уриб қулоғигача балчиққа ботириб юборамиз.* С. Нуров, Нарвон.

БАЛЧИҚЛИ Балчиқ билан қопланган. *Балчиқли кўл. Балчиқли кўча.*

БАЛЧИҚЛИК Бутунлай балчиқ билан қопланган, фақат балчиқдан иборат бўлган жой. *Ўрмонга балчиқликдан ўтиб борилади.*

БАЛЧИҚЧИ(ЛАР) *зоол.* Қушлар синфининг бир туркуми. *Йилқичи, қизқуш, катта қизилоёқ, лойхўрак, жиктоқ, торғоқ — балчиқчининг типик вакилларидир.* «ЎзМЭ».

БАЛЬЗАМ [*юн.* balsamon — хушбўй смола] Баъзи ўсимликлардан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланадиган, таркибида смола, эфир мойлари бўлган қуюқ хушбўй модда. *Одатда бальзам хушбўй ширага ўхшаш таъми ўткир, қуюқ суюқликлардан иборат бўлиб, сувда деярли эримайди, аммо спирт, эфир, хлороформ, бензин ва бошқа органик эритувчиларда эрийди.* «ЎзМЭ». *Ичкилик ҳам минг хил*: *шотланд вискисидан тортиб Риганинг бальзамигача бор.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

БАЛЬЗАМЛАШ Мурда ёки унинг айрим аъзоларини махсус моддалар воситасида чиримайдиган қилиш, мумиёлаш. *Қадимги вақтларда бу шарбат «аждар қони» аталиб, ундан мурдаларни бальзамлашда (чиришдан сақлашда) фойдаланилар эди.* Газетадан. *Чиришга қарши ишлатиладиган махсус химиявий моддаларни мисрликлар мурдаларни бальзамлаш учун ишлатганлар.* Газетадан.

БАЛЬНЕОЛОГ Бальнеология мутахассиси ёки олими.

БАЛЬНЕОЛОГИК Бальнеологияга оид; бальнеология билан шуғулланадиган. *Бальнеологик реакция. Бальнеологик лаборатория. Бальнеологик курорт.* ▬ *Чортоқ минерал ваннасини қабул қилгандан кейин қаттиқ оғриқ пайдо бўлди.. бальнеологик реакция юз берди.* «Фан ва турмуш».

БАЛЬНЕОЛОГИЯ [*лот.* balneum — ванна, ҳаммом; чўмилиш + *юн.* logos — билим, тушунча] Тиббиётнинг минерал сувлар ҳамда шифобахш балчиқларнинг физикавий ва кимёвий хоссалари, уларнинг организмга таъсири, шифобахшлигини ўрганадиган бўлими. *Бальнеология институти. Бальнеология курси.* ▬ *Боқи ака билимини ошириш ниятида Москвага бориб, врачларнинг малакасини ошириш марказий институтида махсус физиотерапия ва бальнеология курсини битирди.* Газетадан.

БАЛЬНЕОТЕРАПИЯ [*лот.* balneum + *юн.* therapeia — парвариш, даволаш] Беморларни минерал сув билан даволаш усули.

БАЛЬНЕОТЕХНИКА Санитария техникасининг бальнеология соҳасида қўлланадиган турлари. *Шифобахш балчиқни манбаидан шифохоналарга келтириш ва табиий хоссаларига путур етказмасдан иситиб бериш ва ишлатиш ҳам бальнеотехниканинг вазифасидир.* «ЎзМЭ».

БАЛҚ *айн.* **барқ.** *Ярқиллайди юлдуздай икки кўзи, Ойдайин балқ урар гулдайин юзи.* «Ойсулув».

БАЛҚИМОҚ I **1** Ёрқин нур сочиб жилва қилмоқ; нурга тўлмоқ, ярқирамоқ. *Дала сутдек ойдин, Нур қўйнида балқиб ётарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Қулоч ёйди атрофлар, Уфқ балқиди.* А. Мухтор, Асарлар. *Қучоғида нур кўтариб балқимоқда тонг.* А. Мухтор, Асарлар.

2 *кўчма* Гуллаб яшнамоқ, гул-гул яшнамоқ, равнақ топмоқ. *Саодат ойдай балқиб, йўлакда пайдо бўлади.* «Ёшлик». *Гўрўғлибек Ҳасанхонга қараса, ойдай балқиб турибди.* «Гулнорпари». *Шодлик билан тўлсин тўртала уфқ, Кулги билан балқсин бу қадим жаҳон.* А. Орипов.

3 Барқ уриб кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Комилжоннинг синглиси Шоҳида чўзинчоқ юзли, кўзларидан самимият балқиб турадиган ўн саккиз ёшлардаги сўзамол қиз эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Султон қувонч порлаган, меҳр балқиган кўзлари билан Гулчеҳрани кузатар, илиқ боқарди.* М. Хайруллаев, Ҳикоялар.

4 *кўчма* Рўёбга чиқмоқ, амалга ошмоқ, намоён бўлмоқ. *-Йўқ, отажон! — деди Шермат, — тинчликни, ҳурриятни, ҳақиқат офтобининг балқиб чиққанини сиз ҳам кўрасиз!* Ойбек, Улуғ йўл. *Эй замин, бўшашма, дадил бўл, балқи.* Газетадан. *Осмон деган нимаю қуёш деган нимадир? Барчасидан устунсан, ўзинг яша, ўзинг балқ!* Ғ. Ғулом.

5 *кўчма* Ўзига мафтун, ром қилмоқ; бўшаштириб юбормоқ. *Ойдайин барқ урар анинг жамоли, Одамни балқитар тегса*

шамоли, Бойсарининг шундай қизи бор экан. «Алпомиш».

БАЛҚИМОҚ II Юмшоқ, майин ҳолатга келмоқ; бўшашмоқ, кўпчимоқ. *Ҳовли хамирдай балқиган, ундан енгил буғ кўтарилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баданлари мумдайин балқиб кетди.* «Ойсулув». *..ерлар қўрғошиндай балқиб кетган.* «Юсуф ва Аҳмад».

БАЛҚИТМОҚ 1 Балқимоқ I **5** фл. орт. н. *Ўн тўрт ёшда ҳозир унинг камоли, Одамни балқитар унинг жамоли.* «Муродхон».

2 *кўчма* Тўлдирмоқ, янгратмоқ. *Улоқ маърар кўп дарани балқитиб.* Миртемир, Асарлар.

3 Балқимоқ II фл. орт.н. *Тонг уйқуси Ҳасанжонни(нг) Бадангинасин балқитди.* «Гулнорпари».

БАЛҒАМ [*а.* بلغم – шилимшиқ, шиллиқ, балғам] Нафас аъзоларининг шиллиқ пардасидан ажралиб чиқадиган шиллиқли ёки йирингли чиқинди. *Йўталгандан кейин нафас йўлларидан ташқарига чиқазиб ташланадиган нарсага балғам дейилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *..инсон аъзоларида тўрт хил суюқлик бўлиб, булар қон, сафро, балғам ва савдодан иборат.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Баҳор келиб, унинг касали хуруж қилган, дам-бадам балғам тупуриб, юк орқалаган ҳаммолдай энтикарди.* С. Сиёев, Аваз.

БАЛҒАМИ Оч-яшил ва кўкиш оралиғидаги ранг. *Уйга меҳмон келганда, мезбон чойга уннайди. Балғами пиёлани қўлга оларкансиз, кўзингиз беихтиёр унинг нафис гулларига тушади.* «Гулистон». *Миркомилбойга хушомад қилиб, балғами пиёлада кўк чой тутади.* К. Яшин, Ҳамза.

БАМАЗА [ба.. + маза] *фольк.* Маъноли, мазмунли; ёқимли. *Келганлар тоза одамлар, ҳар бир гапи бамазалар, кийганлари тозалар.* «Юсуф ва Аҳмад».

БАМАЙЛИХОТИР [ба.. + *а.* میل خاطر – қалб, хоҳиш майли билан] *рвш.* Шошилмасдан, хотиржам ҳолда; бемалол. ▬ *Марат бамайлихотир Бекжоннинг қўлини нари итарди.* «Ёшлик». *Бир соатча вақт ўтгач, эшикдан бамайлихотир кириб келган Қудратжон кампир бувининг фиғон бўлиб ўтирганини кўрди.* Мирмуҳсин, Умид. *Акбаров кўнгилсиз аҳволни сезмагандай, бамайлихотир гапирарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

БАМАЙЛИХОТИРЛИК Ўзига ишонганлик, хотиржамлик. *У биров билан суҳбатлашаётганида, юзида бамайлихотирлик аломати шундоққина сезилиб турарди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти.

БАМАСЛАҲАТ [ба.. + маслаҳат] *рвш.* Ўзаро фикрлашиб, маслаҳатлашиб. *У ҳамма ишни халқ билан бамаслаҳат қилади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кундошларининг ҳам хабари бор. Ҳаммаси бамаслаҳат дори берган-да.* Ҳамза, Танланган асарлар.

БАМАЪНИ [ба.. + маъни] **1** Ақл-идрок билан, пухта ўйлаб айтилган, маъноли; ахлоқ-одобли. *Юрагида кири йўқ, гаплари бамаъни, ўзини кўрган кишининг кўзи қувнайди, шўхлиги, қўйинг-чи, барча қилиқлари ўзига ярашади.* К. Яшин, Ҳамза. *Кўпчилик хонадонлар каби Йигиталиникида ҳам осойишталик ҳукм сурар, бу икки ёш ўзларининг бамаъни ўтиришлари билан қуйилиб қолган нафақадор чол-кампирларни эслатишарди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Пухта, ўйлаб иш қиладиган, ўзини тутиб олган. *Кўримсизгина бўлса ҳам, анча эсли, бамаъни, ҳунарига жуда берилган қиз экан.* А. Мухтор, Чинор. *Менга бу ҳокимларинг маъқул келди. Очиқ, бамаъни одам экан.* К. Яшин, Ҳамза.

БАМАЪНИЛИК Маънодорлик, мантиқлилик, ўзини тутиб олганлик, ақл-идроклилик. *Жавобнинг бамаънилиги.* ▬ *Айни вақтда унинг бамаънилиги, ўзига ярашган салобати, фозила аёлларга хос гапларининг маънодорлиги Хайри опани лол қолдирди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БАМБУК [*малайяча* bambu – дарахтсимон ўсимлик] Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган, танаси қамишга ўхшаш, ичи кавак, бўйи баланд ўсимлик. *Бамбук ҳасса. Бамбук чайла.* ▬ *Бамбук халқ хўжалигида уй, кўприк қуришда, дурадгорликда ишлатилади, толасидан қоғоз тайёрланади.* «ЎзМЭ».

БАМБУКАЙИҚ *зоол.* Думи жуда қисқа, мўйнаси асосан оқ, кўз атрофи, оёқлари ва елкаси қора айиқ; панда. *Бамбукайиқнинг.. тишлари йирик ва тўмтоқ бўлиб, ўсимликлар, бамбук билан овқатланишга мослашган.* «ЎзМЭ».

БАМБУКЗОР Бамбук дарахтлари ўсиб ётган майдон. *Колхоз даласини айланиб юрганимизда, худди бамбукзорни эслатадиган*

экин майдонларига кўзимиз тушиб қолди. Газетадан. *Баъзи жойлар кетганча бамбукзор ва бананзор.* "Ўқувчилар китоби".

БАМИСЛИ [ба.. + мисли] *эск. айн.* **бамисоли**. *Агар мазкур шеър бамисли бир қуш бўлса, бу байт унинг тожи-ку, мавлоно!* С. Сиёев, Аваз. *Қиз эмас, бамисли олов!* О. Ёқубов, Излайман.

БАМИСОЛИ [ба.. + мисоли] Худди, гўё (гўёки), каби, янглиғ; ўхшатиш, қиёс маъносини ифодалайди. *Билим яхши нарса, қизим. Бамисоли чироқ: йўлингни ёритади.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Ақл ва маданият, ҳақ ва адолат бамисоли офтоб: уни тўсиш ва йўқотиш мумкин эмас.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

БАНАН [*исп.* banano, banana < *а.* بنان – бармоқ] *бот.* Меваси узунчоқ йирик, ейишли, банансимонлар оиласига мансуб бўлган кўп йиллик тропик ўсимлик ва унинг меваси. *Дўстлар бир оз сўлган бананларнинг олтинсимон пўстларини арчиб, нон билан ея бошладилар.* Ойбек, Нур қидириб. *Салқин нам шамол тепалардаги кактус дарахтларининг сертикан шохларини секин чайқайди, пальмалар бўйнига осилган шода-шода бананларни билинар-билинмас тебратади.* И. Раҳим, Тақдир.

БАНАНЗОР Банан ўсиб ётган майдон. *Баъзи жойлар кетганча бамбукзор ва бананзор.* «Ўқувчилар китоби».

БАНАНХЎР(ЛАР) *зоол.* Катталиги қарғадек, патлари ранг-баранг кўринишли, каккусимонлар оиласига мансуб қуш. *Бананхўрлар кўп вақтини дарахт шохларида ўтказади, кўпинча дарахт шохларига уя қўяди.* «ЎзМЭ».

БАНГ [*ҳинд.* بنگ – ҳинд нашаси, канопи] **1** *айн.* **наша 2.** *Ўтириб шу замон бангни ийлади, Катта сархонага буни жойлади.* «Интизор». *Шароб билан банг кор қилиб, бошини айлантирди.* «Бир соатлик халифа».

2 Мастлик; кайф. *Шайхлар борки, банг хаёлотини элга каромат деб сотадилар, жоҳиллар борки, китоб қўлтиқлаб, олимлик даъво қиладилар.* Ойбек, Навоий.

3 *айн.* **банги**. *Охири Абдураҳмон.. бобойи банглар орасидан ўзига замин топди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БАНГИ [*ф.* بنگی – банг, наша чекувчи; наркоман] **1** Наша чекишга одатланган шахс; нашаванд. *Мулла паловга ўч, банги – оловга.* Мақол. ▬ *Оқсоч ҳам, отбоқар ҳам аллақачон донг қотиб ухлаб ётишибди. Бири кар, бири банги.* К. Яшин, Ҳамза. *Ана, банги тўра юмшоқ курсида, афюннинг кайфини суриб, кўзлари сузилиб ўтирибди.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма фольк.* Наша. *Шерободда мен кўрдим Банги чеккан бангини.* «Нурали».

3 Умуман наша, кўкнори, қорадори ва ш. к. га ўрганган, гиёҳванд шахс, шунингдек, унинг лақаби. *Мирвали бангининг кўмагида аравадан замбилғалтакни тушириб оладилар.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БАНГИДЕВОНА I [банги + девона] *бот.* Итузумдошлар синфига мансуб бир йиллик заҳарли ўсимлик. *Бангидевона, ёввойи наша, кампирчопон, ҳатто кучала билан исириқнинг ортиқчаси ҳам ёш вужудни заҳарлаб қўйиши ҳеч гапмас.* Газетадан.

БАНГИДЕВОНА II *кам қўлл.* Бангилик касалига дучор бўлган шахс, наркоман, нашаванд. *Исфандиёр Мадрайимхон эмас, бу бангидевонадан ҳар нарса кутса бўлади.* С. Сиёев, Аваз.

БАНГИБАШАРА [банги + башара] Кўриниши бангиларга ўхшаш, бангисифат. *Алқисса, бақ-бақалоқ Мулла Мамасолиҳ бин Мулла Мадкарим Махдум билан новча бўйли, бангибашара ҳудҳуд сўфи хонақоҳда ўтиришиб, бир соат чамаси мудрашдилар.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

БАНГИЛИК Гиёҳвандликнинг бир тури; нашавандликка бутунлай берилиб кетишлик. *Тўрангизнинг бангилиги махфий эмасдир, уни барча беш қўлдай билур.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бангилик тўғрисида аниқ статистика маълумоти йўқ.* Газетадан.

БАНГИНАМО [банги + *ф.* نما – кўринувчи] Хатти-ҳаракати, ҳолати бангига ўхшаган; бангитабиат. *[Қоровул] Узун мўйловли, кўзлари ола-була бангинамо киши эди.* Ойбек, Болалик. *Сочим ўсиб бангинамо, Ҳув деб борарман борҳо..* «Тоҳир ва Зуҳра».

БАНГИНУСХА [банги + нусха] Ташқи кўриниши бангиларга ўхшаш; бангинамо. *-Эй тақсир, хато қилибсиз, тушунинг, бу – мажлис! – деди чил томирдай қотма, новча, катта кўзли, бангинусха, лекин кийингантовланган бир шахс.* Ойбек, Нур қидириб.

БАНГИХОНА [банги + хона] *эск.* Наша чекувчилар тўпланишиб, нашавандлик қиладиган жой, хонадон; бангилар уйи. *-Бангихонани билмайсанми, рўдапо? – деб сўради*

у. Бола калласини тебратди – билар экан. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БАНД I [*ф.* بند < بستن – «боғламоқ», «тўсмоқ», «беркитмоқ» фл. ҳоз. з. ўзаги] **1** Нарса, қурол-асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; соп, тутқич; даста. *Чойнакнинг банди. Челакнинг банди.* ▬ *Ойим қиймалагич бандини айлантирар экан, менга қарамай сўради..* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Рашид икки кулча нон орасига олинган кабобнинг сихи бандини Муҳаррамга тўғрилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Бир нарсанинг бошқа бирор нарсага суқиб, қистириб қўйиладиган, уланадиган қисми. *Бўйнида тугма банди Бир ёққа силкиллайди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Бойқаронинг қалпоғига қадалган жиғанинг олтин банди эрталабки қуёшда.. ёнарди.* Ойбек, Навоий.

3 Бўғим (бўғин). *Занжирнинг бандлари. Банди-бандидан ажралмоқ.* ▬ *Ҳар сўнгакнинг бандида юз минг гиреҳ..* Ҳ. Хоразмий, Гулшанул-асрор.

4 Дарахтлар (олма, нок, гилос, узум ва ш. к.), полиз экинлари (қовун, тарвуз, бодринг, помидор ва бошқа ўсимликлар) мевасининг дарахт новдасига ёки палакка бирикадиган ингичка қисми. *Гилос банди. Узум банди.* ▬ *Ўшанда отнинг калласидай келадиган чим тўрлама шакарпалакни бандидан ушлаб, тортиб юборсам, қарс ёрилиб кетса бўладими!* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *-Иккинчи олманинг узун банди бор эди, – деди комбат. – Шу бандидан ушлаб кўрмоқчи эдим, узилди-ю, олманинг қаватига қистирилган қоғознинг учи кўринди.* О. Ёқубов, Излайман. *Изғин шамол эсиб турган, сап-сариқ барглар бандидан «чирт-чирт» узилиб, йўлкаларни қоплаб ётган кеч куз кунларидан бирида у урушга жўнади.* Газетадан.

БАНД II [*ф.* بند – боб, қисм, модда] **1** Расмий ҳужжатлар (қарор, баённома, қонун, шартнома ва ш. к.)нинг рақам ёки ҳарф билан бўлиб кўрсатиладиган кичик бир қисми; модда, параграф. *Қарорнинг бешинчи банди.* ▬ *Муассасаларнинг вакиллари қарорнинг биринчи моддаси «а», «б», «д» бандларида кўрсатилган масалалар юзасидан.. норозилик билдиришлари мумкин.* Газетадан.

2 Қофия, ритм ва мазмун жиҳатдан ўзаро боғланган шеърий парча; манзума. *Умумий қофия тартиби билан боғланган шеърий мисраларнинг йиғиндисига банд дейилади.* «Ватан адабиёти». *Муродига етиб шеърий банд, таскин топди кўнгил каптари.* Т. Тўла.

3 Ашула ёки мусиқа асарининг маълум бир қисми. *Собир ашуланинг бир бандини айтиши билан Солижон унга жўр бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Қори Ёқубов қўшиқ бандларини алоҳида урғу билан куйларди.* К. Яшин, Ҳамза.

БАНД III [*ф.* بند – боғлам; тўсиқ; қамоқ] **1** Ип, арқон ва шу кабиларнинг боғланган, тугунланган жойи. *Ипнинг банди. Бандни бўшатмоқ. Бандни ечмоқ.* ▬ *Нозик дилин оғритма, қаҳр айлама, панд айла, Гар боғлар эсанг илгин, сочим била банд айла.* Ҳабибий.

2 Тўсиқ, тўғон, ғов. *Сув келмай, банд ташлама.* Мақол. ▬ *Кейинчалик бошига банд солинди-ю, сув чекинди.* «Ёшлик». *Гоҳо сой сувини банд қилиб, болалари билан балиқ ҳам тутади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

3 *кўчма* Тутқунлик, асирлик ҳолати; қамоқ. *Улар бу банддан халос бўлганини Аваз билиб, димоғи чоғ бўлди.* «Маликаи айёр». *Тубсиз зулумотда банд бўлган шуур, Бир-бирин қалбидан ахтарди зиё.* А. Орипов. *Озод бўлсин кишандан, банддан Олтин сочли, қоши қийиқлар.* Ҳ Олимжон.

БАНД IV [*ф.* بند – тўсилган, беркитилган] **1** Эгалланган, ишғол қилинган, бўш эмас. *Уй одамлар билан банд. Телефон ҳозир банд.* ▬ *У ўтирган ўқув залида ҳамма ўринлар банд.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Купега кирганимда, пастки қаватнинг иккаласи ҳам банд эди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Бирор иш, фаолият билан ўта машғул, қўли бўш эмас; вақти йўқ. *Мен ҳозир иш билан бандман.* ▬ *Гулбаҳор эркакларга дастурхон тузаш билан банд, елиб-югурарди.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Балкон ўртасидаги стол атрофида икки хотин ўтириб, чучвара тугиш билан банд.* «Ёшлик». *Султонов банд экан, кутиб қолди.* «Ёшлик».

Банд бўлмоқ 1) бирор нарса билан ишғол (тўла, эгалланган) бўлмоқ. *Яхши жойлар банд бўлиб қолибди.* ▬ *Ҳеч нарсани олдин олиб қўйиш керак эмас, чунки пул бекор банд бўлиб қолади.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) бирор иш, ҳаракат билан машғул, овора бўлмоқ. *Ғуломжон кузгача мактаб тайёргарлиги билан банд бўлди.* М. Исмоилий. Фарғона т.о.; 3) *кўчма* мафтун бўлмоқ, асир бўлмоқ,

берилмоқ. *Бир зум гўзалликнинг ҳузурида жим Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд.* А. Орипов. **Банд қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) жойни расмий ёки норасмий (сўроқсиз) олдиндан эгалламоқ. *Аллақачон кириб улгурган йигитлар, қизлар гувлашиб, саҳнага яқинроқ стулларни банд қилишмоқда эди.* Н. Қиличев, Чиғириқ; 2) мафтун қилмоқ, қамраб, эгаллаб олмоқ; ўзига тортмоқ. *Банд этган дилимни гўзал туйғулар..* «Ёш куч». *Унинг бутун ўйларини Лола банд қилган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. **Қўлим банд** 1) қўлимда нарса бор; 2) қўлимда иш бор, иш билан машғулман.

БАНДА I [*ф.* بنده – қул, итоаткор; камина] **1** *дин.* Оллоҳ яратган, тақдири унинг қўлида бўлган киши; Оллоҳнинг қули. *Худонинг бандаси.* ▬ *Тангри ўз бандалари орасида ғайратлисини ёқтиради.* «Ҳадис». *Тангрининг биродар бандалари бўлинглар, ўрталарингда ҳасад, адоват, аразлаш бўлмасин.* «Ҳадис». *Бандаси Оллоҳнинг иродасидан чиқа олмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *с.т.* Умуман одам, киши. *Яхшиликка ўрганган бир банда осонлик билан ўз яхшилигини қўймайдир.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Ҳеч вақт ҳукмдорлар ҳузурига бош эгиб борган банда эмасмен.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Агар банда сидқидил билан худодан сўраса, томчи ўрнига дарё бағишлайди.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Кимгадир, бирор кишига қарам киши; фуқаро.

Бандангиз *ёки* **бандалари** *эск.* Мактубларда ёки бирор кишига мурожаатда ўзини камтар олиш, мурожаат қилинаётган шахсга ҳурмат билдириш шакли; камина. -*Амирим, – деди мўйсафид соқолини тутамлаб, – бу хокисор бандангизнинг бир қошиқ қонидан кечинг.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Доно тадбирни ўртага солдингиз, пирим. Бандангизнинг фикрича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзони қонуний подшоҳ атаб, муборак номларини хутбага қўшиб ўқитмоқ керак!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 *кўчма* Бирор нарсага бутун вужуди билан берилган кимса. *Нафс бандаси. Пул бандалари. Жиғилдон бандаси. «Ғилоф бандаси».* ▬ -*Нафс бандаси.. Биров ишдан келса, сиз ошдан келасиз, – деди Мели полвон жаҳли чиқиб..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Фабрикага ин қурган бир ҳовуч «пул бандалари» ана шу шиор остида ишлаганлар.* Газетадан. *Лекин бир кун эмас, бир кун жиғилдон бандаси Абдуллаев билан чўталчи Мўминовларнинг чув тушиши турган гап.* «Муштум». -*Сизнинг назарингизда, ҳамма хотинлар латта-путта бандалари, шундайми, – деди Кумуш Камолиддинга.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Озодлик маъноси бу эмас, ёлғон! Доллар бандасининг сохта сўзидир.* Р. Бобожон, Шеърлар.

5 *кўчма* Ошиқ, мафтун, шайдо бўлган киши ҳақида. *Қизнинг чўлпон кўзи юракларга ўт ёқаркан, қора қўнғир сочи тақимига уриб.. турганини кўрган ҳар бир йигит унга банда бўлар экан.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлида. *Уч йил бўлди, мунтазирман ўзингга, Жоним банда ярқиллаган кўзингга.* Пўлкан, Ҳасан батрак.

Хом сут эмган банда *қ.* **эммоқ.**

БАНДА II [*итал.* banda – тўплам, тўда] Опера ва симфоник оркестрга қўшимча чолғу ансамбли сифатида киритилувчи пуфлама мис созлар оркестри. *Банда ижро вақтида саҳна орқасига жойлашади.* «ЎзМЭ».

БАНДА III [*итал.* banda – тўда] Босқинчилик, ўғрилик, зўравонлик, қотиллик билан шуғулланувчи қуролланган тўда. *Гитлер бандалари.. бостириб кирганларида, Нарзи мактабда ўқир эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БАНДАЖ [*фр.* bandage – белбоғ, боғич] **1** Ҳомиладорлик ва ундан кейинги даврда, операциядан олдин ёки кейин тананинг тегишли (касал) жойини нормал ҳолатда тутиб туриш учун танғиб боғланадиган (кийиладиган) махсус камар, белбоғ. *Бандаж врач назорати остида танланади.* «ЎзМЭ».

2 *тех.* Машина деталлари ёки конструкцияларнинг пухталиги ва чидамлилигини ошириш мақсадида уларга кийгизиладиган металл ҳалқа.

БАНДАК I [*ф.* بندک – кичкина банд] *этн.* Паранжининг елкадан ён томонга осилтириб тикилган иккита енгсимон қисми, сохта енг. *Қуёшдан ва чангдан оқариб кетган, бандагига катта ямоқ тушган паранжиси бу иссиқ ҳавода уни ниҳоятда қийнаб қўйгани билиниб турарди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Бир кун танноз.. паранжи ёпиниб, олдимдан ўтиб қолди.. бандаги лой ҳам бўлибди.* «Муштум».

БАНДАК II Лойдан ясалган хом идишларни кулоллар чархида текислаш ва сил-

лиқлаш учун ишлатиладиган чарм, латта ёки кигиз.

БАНДАЛИК 1 *дин.* Банданинг оллоҳ олдидаги қарзи; қисмати; ўлим, қазо қилиш. *қ.* **банда 1**.

Бандалик қилмоқ, **бандаликни бажо келтирмоқ** *ёки* **топширмоқ**. Вафот этмоқ, қазо қилмоқ, ўлмоқ. *..Баҳромбекни зўрға ташқарига олиб чиқди, фотиҳа қилиб, бандаликни бажо келтирган мусофирнинг юзига оқ дока ёпди.* «Ёшлик». *Доно момо бандалик қилди. Жанозага бордим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Содиқ чўпон бандаликни топширди..* «Ёшлик». **Бандалик** *ёки* **бандалик-да** Вафот этган кишининг яқинларига таъзия изҳор қилишда айтиладиган сўз; «афсус, вафот қилибди» маъносида. *-Бандалик, ўғлим, отангдан ажралдик, — деб бағрига босди.* «Ёшлик». *-Бандалик экан, ая! — нотаниш йигит маъюсланиб гапирди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Машинага яқинлашаётганда, шофер йигит туриб келиб, тирсакларидан ушлади: -Бандалик, Раҳимжон ака!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Шахснинг бирор муносабат билан қарамлилик, тобелик ҳолати. *Асарнинг охирида қотилни полиция қамоққа олади ва бир муаллим чиқиб, чор ҳукуматига қуллуқ ва бандалик мадҳиясини ўқийди.* Ҳамза.

БАНДАР I [*ф.* بندر — тижорат жойи] *кам қўлл.* Кема, савдо кемаси. *Қайдадир, кўк замин билан туташган жойда, Соҳилларга лангар ташлар яна бир бандар.* А. Исроилов, Биз — дунё одамлари.

БАНДАР II *айн.* **бандаргоҳ 2**.

БАНДАР III Иссиқ мамлакатларда ўсадиган хушбўй, мевали дарахт (манго).

БАНДАРГОҲ [*ф.* بندرگاه — кема тўхтайдиган жой] *эск.* **1** Чўл, дашт ёки тоғли ерларда йўллар кесишган, савдогарлар, умуман кишилар қўниб ўтадиган, савдо қиладиган гавжум жой; карвонсарой. *Олти ойлик йўлда бир бандаргоҳ бор эди. Келган савдогарлар.. қўнмай ўтмас эди.* «Ойсулув».

2 Дарё ва денгиз қирғоқларида кемалар тўпланадиган, тўхтаб ўтадиган порт ва унга кириш-чиқиш йўллари. *Од қиз билан хайрлашиб, бандаргоҳда турган кема палубасига кўтарилди.* «Ёшлик». *Минг қатла шукрки.. она юртимизга қайтдим, қайтдим-у бандаргоҳга тушиб, тупроғини ўпдим.* М.М.Дўст, Лолазор.

БАНДАХОНА [*ф.* بنده‌خانه] *кам қўлл.* Фақир, хоксорларнинг уйи, хонадони. *Навоий дарҳол ўзини тутиб олиб, шаҳаншоҳ эски дўстларини эслаб, бандахонага ташриф буюрганларидан боши осмонга етганини изҳор этди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БАНДАЧИЛИК *айн.* **бандалик 1**. *-Бандачилик, кўп ташвишлар тушибди бошингизга. -Нима қиламиз, ҳар банданинг бошида бор бу савдо.* С. Нуров, Нарвон.

БАНДЕРОЛЬ [*фр.* bande — тасма + role — ўрам] **1** Қоғозга ўраб, почта орқали жўнатиладиган корреспонденция тури (босма нашрлар: китоб, журнал, газета, қўлёзма, кичикроқ буюм ва б.). *Бандероль жўнатмоқ. Бандеролни очмоқ.*

2 Мол (товар) учун акциз ва бож тўланганидан далолат берадиган, мол устига ёпиштириб қўйиладиган тасмасимон қоғоз.

БАНДИ [*ф.* بندی — маҳбус, асир] *эск.* **1** Асир тушган одам, тутқун, асир. *Банди бўлмоқ.* ▬ *Сарбозлар ўн чоғли кишини банди қилиб, Хивага ҳайдаб кетдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Холхўжа бандиларнинг қўлини ечишни буюриб, кўрпачадан жой кўрсатди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Зиндонга ташланган, қамоққа олинган одам. *Тўрт бандини зиндондан олиб келдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Жўра шу Бекнинг сассиқ қамоқхонасида бир ярим ой банди бўлиб ётганида, ўша Назар жаллод ҳар куни икки маҳал Жўрани қамчилатар.. эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 *кўчма* Бирор нарсага, ҳолатга берилиб кетган, бирор кимса ёки нарсага боғланиб қолган; мафтун. *У хаёлларига банди бўлиб, дам ғазабланиб, дам ўзига-ўзи тасалли бериб борарди.* «Ёшлик». *Кўзи ўтган-кетганларда, хаёли эса турли ўйлар тўфонига банди бўлган.* «Ёшлик». *Одам борки, киндик қони томган ерга банди у.* «Ёшлик». *У ҳануз бу қадар бекорчиликка банди бўлмаган эди.* Т. Малик, Қалдирғоч.

4 *кўчма* Кишанланган, занжирбанд. *Болам Аваз, эшит менинг ҳасратим, қўлоёғим банди, кимга айтайин дардим.* «Маликаи айёр».

БАНДИБАСТ [*ф.* بندوبست — тил бириктириш, яширин битим; кишан солиш] Кимсанинг бахту иқболини, омадини тўсиш, унинг йўлини боғлаш мақсадида турли хил ип, ипак ёки матодан сеҳру жоду

ёрдамида тайёрланган банд, тугун. *Парича уларга дам солади, ранго-ранг ипдан бандибаст қилиб беради.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштalar.

БАНДИБОН [*ф.* بنديوان – зиндончи] *эск.* Зиндон қўриқчиси, турма назоратчиси. *Икки бандибон тагдаги зиндондан икки бандини.. чиқариб, хоннинг ясовулларига топширди.* «Эрали ва Шерали». *Бир неча соат ўтгандан кейин, обхона эшиги очилиб, бандибон йигитчани озодлик билан табрик қилди.* С. Айний, Дохунда.

БАНДИЗИНДОН [*ф.* بندزندان – зиндонга солинган, зиндон тутқуни] Зиндонда тутқунликда ётган; зиндонга ташланган шахс. *Подшоҳи Хунхор Абдуллога қараб айтди: -Бу давлатлар бунга [Авазга] писанд бўлмади, буни тутиб, бандизиндон қилинглар.* «Бўтакўз». *Аваз ўлса, сени хундор тутарман, Кўзинг ўйиб, бандизиндон этарман.* «Нурали».

БАНДИЛИК Тутқунлик, асирлик ҳолати; тутқун бўлишлик. *Борсанг, салом дегин султон бобомга, Бандилигим билдир ғамхўр отамга.* «Нурали». *Келиб сени бандиликдан бўшатди..* «Ойсулув».

БАНДИСИФАТ [банди + сифат] *рвш.* Тутқунга, асирга ўхшаш; бандилик ҳолатига тушган. *Олти ой олдин Аваз бу ҳашаматли боғни ўз ихтиёри ила тарк этган эди. Мана энди зуғум билан, бандисифат, қўллари орқасига қайрилиб, қайтиб келди.* С. Сиёев, Аваз.

БАНДИТ [*итал.* bandito – қувғун; қароқчи] Босқинчилик, ўғрилик, каллакесарлик билан шуғулланувчи қуролланган шахс. *Бандитлар шайкаси.* ▬ *Улар (милиция) қуролланган бандитлар, пихини ёрган жиноятчиларга қарши курашиши керак.* «Фан ва турмуш». *Зайнаббиби бандитлар билан мислсиз олишувда жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлади.* «Гулистон».

БАНДИТИЗМ Қуролланиб, якка ёки гуруҳ бўлиб босқинчилик ва зўравонлик билан шуғулланиш, бандитлик. *Озодликдан маҳрум қилиш муҳлатини.. камайтириш.. алоҳида хавфли жиноятлар, бандитизм ва босқинчилик учун татбиқ қилинмайди.* Газетадан.

БАНДИТЛИК *айн.* **бандитизм**.

БАНДИХОНА [банди + хона] Асирлар, тутқунлар сақланадиган, қамаб қўйиладиган жой; зиндон, қамоқхона. *Раис навкарларга: -Ушланглар, бандихонага олиб кетинглар! – деди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

БАНДЛИ 1 Ушлашга мўлжалланган дастаси, банди, тутқичи бор. *Хотин ўртага бандли, гулдор хумчада вино билан икки стакан олиб келиб қўйди, балиқни кесиб тозалади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Эшон ая ичкарига ўрин солиб, обрез олдига обдастада таҳорат суви қўйиб, кумуш бандли ўнинчи чироқни кўтарганича, меҳмонхонага чиқди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ўрта асрларда бандли қум соатлар урф эди.* «Фан ва турмуш».

2 Бирдан ортиқ банд, бўлим, параграфдан иборат бўлган. *Беш бандли қарор. Саккиз бандли шеър.*

БАНДЛИК I Бирор нарса учун тутқич, даста қилишга мўлжалланган материал, хомашё.

БАНДЛИК II *айн.* **бандли 1**. *Ёзган дастурхонини кўрсанг, зар ўралган попукларни [конфетни] бандлик катта ликобларда қўйибди.* «Муштум».

БАНДЛИК III Бирор нарса билан банд эканлик, бўш эмаслик.

Бандлик хизмати Мамлакат миқёсида аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширувчи ва фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаб берувчи давлат хизмати.

БАНИБАШАР [*а.* بنى – ўғил, фарзанд + بشر – киши, инсон] *эск. кт.* Одам боласи, одамзод; одамлар.

БАНИИНСОН [*а.* бани + инсон] *эск. кт. айн.* **банибашар.**

БАНИОДАМ [*а.* бани + одам] *эск. кт. айн.* **банибашар.** *Баниодам учун нажот ахтариб, жон берган шаҳидлар руҳига қасам.* А. Орипов.

БАНК I [*фр.* banque < *итал.* banco – сарроф пештахтаси, курсиси] Вақтинча бўш пул маблағларини тўплаш, корхоналарга кредит (қарз) бериш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш, кредит маблағларини муомалага чиқариш ва ш. к. билан шуғулланувчи кредит-молия муассасаси. *Давлат банки. Миллий банк. Халқ банки. Банк муомалалари.* ▬ *Омонат банки таъсис этилиши билан барча мураккаблик ва ноқулайликлар барҳам топади.* Газетадан.

БАНК II Қиморда, карта ўйинида: ўртага қўйилган, тикилган пул; ган.

БАНКА I *с.т. эск. айн.* **банк** I. *Бахтима бўлганда отам, ҳам онам, Банканинг пуллари киссамда менинг.* «Қўшиқлар».

БАНКА II [*р.* баня – идиш] **1** Шиша, тунука ёки пластмассадан ясалган, одатда цилиндрик шаклга эга бўлган идиш. *Шиша банка. Темир банка. Консерва банкаси.* ▬ *Шу лаҳзада қўлида бир шиша банка қатиқ, югурганича кампир буви кириб келди.* Мирмуҳсин, Умид. *Чўнтагидан апил-тапил бояги пулни чиқарди, эшикка бир қараб олгач, банкага жойлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 *тиб.* Киши танасининг касал жойига қўйиладиган оғзи тор, чети қалин ва силлиқ, ноксимон стаканча. *Тиббиёт банкалари. Банка қўймоқ.*

БАНКАБРОШ [*фр.* banca broches – тўқув, йигирув дастгоҳи] *тўқм. эск.* Хом ип тайёрлайдиган машина. *Бу залга ўқишўрганиш учун.. банкаброш ва тўқув станоги ўрнатилиши керак.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БАНКЕТ [*фр.* banquet – катта зиёфат; ўтириш] Бирор киши шарафига ёки бирор воқеа муносабати билан бериладиган тантанали, расмий зиёфат; ўтириш. *Банкет бермоқ. Банкет зали.* ▬ *Табриклардан кейин илмий совет секретари – узун бўйли, хушчирой бир аёл барча олимларни банкетга таклиф этди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БАНКИР [*фр.* banquier – ўриндиқ; банк эгаси] Банк эгаси ёки банкнинг йирик акциядори; банк ходими. *У кўз қисди. Банкир шимининг орқа чўнтагидан кармонини олиб, қатидан бир неча фунт санаб, меҳмонга узатди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

БАНКНОТ [*ингл.* bank-note – банк белгиси] Марказий эмиссия банклари чиқарадиган, муайян моддий қийматга эга бўлган қоғоз пул.

БАНКОМАТ [банк + (авто)мат] Муайян банкка қарашли автоматик қурилма; банкнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда (кўча, метро, магазинларда) ўрнатилади ва банк мижозининг унинг ўзигагина берилган қатъий белгиланган код бўйича нақд пул олишига хизмат қилади. *Шуни қўшимча қилиш керакки, пластик карточкаларни Ўзбекистонда муваффақиятли жорий этиш етарли даражада ривожланган банкомат ва терминаллар тармоғини талаб этади.* Газетадан. *Банкимиз яқин келажакда хизмат кўрсатиш тармоғини анча кенгайтириб, терминаллар сонини 850 тага, банкоматларни эса 100 тага етказишни режалаштирган.* Газетадан.

БАНКРОТ [*нем.* Bankrott < *итал.* banko rotto – синган курси] Қарзини тўлашга қурби етмай қолган, синган касб-ҳунар эгаси ёки корхона. *Банкрот бўлмоқ.* ▬ *Банкротлар тез-тез рўй бериб туради, у иқтисодий инқирозлар вақтида айниқса кучаяди.* «ЎзМЭ».

БАНКРОТЛАШМОҚ **1** Инқирозга учрамоқ, синмоқ.

2 *кўчма эск.* Эътиборини, нуфузини тамоман йўқотмоқ. *Бу тарихий синов* II *Интернационалнинг тамоман банкротлашганини очиб ташлади.* Газетадан.

БАНКРОТЛИК Фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағи етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги ҳолати.

БАНОГОҲ [*ф.* بناگاه – тўсатдан, кутилмаганда] *рвш.* Кутилмаган, хаёлга келмайдиган вақтда; кутилмаганда, бирдан. *Бола ғорда айланиб юрганда, баногоҳ сувнинг шилдираганини эшитиб қолибди.* «Бир соатлик халифа». *Баногоҳ қиз ўзини четга олди.* «Ёшлик». *Қодир эгам, сўнгги бора сабот бер ўзинг, Дариғ тутма бардошингни мендан баногоҳ.* А. Орипов.

БАНОРАС [Ҳиндистондаги Банорас шаҳри номидан] Материали, тўқилиши ва пишиқлиги жиҳатдан беқасамга ўхшаш, аммо гуллари билан фарқланувчи, қўлда тўқилган газлама. *Банорас тўн. Банорас паранжи. Банорас чопон.* ▬ *Эгнида қизғиш банорас тўн.* С. Сиёев, Аваз. *Эгнимга оқ дока кўйлак, оқ банорас нимча кийгизиб, бошимдаги дўппи ўрнига оқ дока рўмол ўратдилар.* Ойдин, Ҳикоялар. -*Сизни ҳар замонда извошда духоба, банорас паранжиларда кўриб қолардик, – деди Ўғилой опа.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 *кўчма* Банорас рангидек кумушранг оқ тусли, шунингдек, оч пушти, сариқ, яшил рангли. *Атроф зим-зиё, фақат тиниқ, банорас осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар милтиллайди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Осмон гардишининг туби аста-секин ёришиб, банорас уфққа қизғиш ранг ёйилаётибди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Осмон жуда тиниқ, банорас экан.* А. Мухтор, Чинор.

БАНОТ *шв. фольк. айн.* **духоба**. *Ҳаводa учиб юрган қанот бўлсам, Бозорда ярқираган банот бўлсам.* «Оқ олма, қизил олма». *Тўрванг банот, еминг кишмиш, ҳай-ҳай, тактак, ўзбекнинг оти.* «Гулихиромон».

БАНТ [*нем.* Band – тасма, лента; тугун] Капалакнусха қилиб боғлаш ёки шу тарзда боғланган лента, жияк ва б. *Бу санъат асарлари атиргуллар, аждарҳолар, қуш қанотлари, бантларни акс эттирувчи гулли нақшлар билан безатиларди.* «Фан ва турмуш».

БАНТИК [*нем.* Band – тасма, тугун] Кичкина бант, бантикча. *Уларнинг бири – сочига бантик таққан қизча чумчуққа ўхшаб бир оёқлаб ҳаккалар, бошқаси – атлас кўйлакча кийиб олгани эса санаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БАНТУЛАР *этн.* Марказий ва Жанубий Африкада яшовчи халқлар гуруҳи. *Банту тили. Бантулар маданияти.*

БАОБРЎ [ба.. + обрў] *айн.* **обрўли**. *Тўйни бошқариб бориш нозик масала. Раисликни олиб бориш баобрў, маданиятли, сўзга чечан одамга топширилса, шодиёна маромида ўтади.* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар.

БАПТИЗМ [*юн.* baptizo – сув билан чўқинтираман] Христиан дини мазҳаб (секта)ларидан бири.

БАПТИСТ Баптизм мазҳабига мансуб шахс, руҳоний.

БАПУРЖА *с.т. қ.* **бафуржа.** *Қўй, хотин, қўни-қўшниларнинг олдида шарманда қилма. Уйда бапуржа гаплашамиз.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

БАР I [*ф.* بر – чекка, қирра] Уст кийимнинг икки ён этаги. *Бола терга пишиб кетган эди, этак бари билан юзидаги терини артиб олиб, бизга салом берди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Табибий яктагининг барини боса-моса ирғиб турди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Бар урмоқ 1) икки барини белбоғига қистирмоқ. *Ота-бола чопонларининг этакларини бар уриб, қазувга жўнаб кетдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм; 2) *кўчма* ишга астойдил киришмоқ. *Алдар кўса этагини бар уриб, бойникига жўнабди.* «Алдар кўса». **Баридан тутқазмаслик** Қочиб юрадиган, тутқич бермайдиган кимса ёки нарса ҳақида; бўйсунмаслик. *Чўл шамоли эсади, Тутқич бермай баридан.* Н. Нарзуллаев. *Бир томондан, ёшликнинг залворли қадами, беқиёс кўрки, у бахш этган туйғулар, бошқа ёқдан эса, шу сўлим фаслнинг субҳидам шамолидек бар тутқазмай ўтиб кетиши ҳақидаги ўйлар қўшилиб, шоир кўнглида ҳислар уммонини яратди.* «Ёшлик».

БАР- II [*ф.* بر – олд қўшимча] Арабча ва форсча-тожикча сўзларга қўшилиб, бирор сифат-белгига эгаликни, давомийликни, йўналишни ифодаловчи сўз (сифат)лар ясовчи, **ба-** қўшимчаси билан деярли бир хил бўлган қўшимча, мас., *бардавом, барқарор.*

БАР III [*ингл.* bar – тамаддихона; кичик ресторан] **1** Кичик ресторан, майхона. *Йигит-қизлар қўноқ тунлар барларда, Уртўполон, тинтув чорраҳаларда.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

2 Турли хил ичимликлар сақланадиган кичик буфет (ёки сервант, жавоннинг бир бўлмаси, токчаси).

БАР IV [*ингл.* bar – тўсиқ] Денгизнинг қирғоққа яқин қисмида ёки дарёларнинг денгизга қуйилиш жойларида ҳосил бўладиган камбар қум тўсиқ, қумлоқ; саёзлик.

БАР V [*юн.* baros – оғирлик, юк] *физ., мтр.* Босимнинг МКС бирликлар тизимидан ташқари бирлиги. Метеорологияда: атмосфера босимининг ўлчов бирлиги.

БАРАБАН I [*т.* بالابان – баланд овозли < *ф.* بالابانگ – баланд овоз] Гардишининг бир ёки ҳар иккала томонига тери қопланган, урма (зарбли) мусиқа асбоби. *Фанфараларнинг овозлари, ноғора ва барабанларнинг товуши байрам бошланганлигидан дарак берарди.* Газетадан. *Барабанлардан симфоник ва пуфлама созлар оркестрида.. фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

БАРАБАН II *тех.* Турли машина ва аппаратларнинг цилиндр шаклидаги ичи ковак қисми. *Тош майдаловчи машинанинг барабани хунук ғирчиллай бошлади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳозир барабанлар кўсак чувиш агрегатларининг энг муҳим қисми ҳисобланади.* Газетадан.

БАРАБАНЧИ Барабанда мусиқа ижро этувчи, барабан чалувчи. *Оркестр барабанчиси.*

БАРАВАР [*ф.* برابر – тенг, бир хил; тенг қийматли] **1** *сфт.* Ўлчами, ҳажми, катта-кичиклиги, сон-қиймати, ҳаракати жиҳатидан бир хил, тенг. *Бўйи баравар девор. Баравар ҳажмли шишалар. Ёши баравар болалар. Баравар вақт оралиқлари.* ▬ *Болага оила ҳам, мактаб ҳам баравар тарбия бериши, одоб-ахлоқ ўргатиши керак.* Газетадан. *Анвар ҳар ким учун севимли ва хушмуомаласи барчага баравар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Иккала от бир қиёмда, баравар қадам ташлаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Баравар келмоқ 1) турли кўрсаткич ва белгиларига кўра бир хил чиқмоқ; тенг келмоқ. *Қопларнинг оғирлиги баравар келди. Кирим билан чиқим баравар келди;* 2) мувозанатга келмоқ, тенглашмоқ. *Тарозининг паллалари баравар келди;* 3) *кўчма* бирор ҳаракатда (жанжалда, мунозарада, курашда) тенг келмоқ, бас келмоқ. *У билан баравар келиб бўладими?* 4) «тенг, бир хил» маъноларидаги кесим вазифасида. *Унга ёшу қари баравар. Беш қўл баравар эмас.* Мақол. ▬ *Ўзинг биласан, қачон қарасанг, катта-кичикка баравар, ҳамиша камбағаллар фойдасини кўзлайди.* Ҳ. Шамс, Душман. **Баравар кўрмоқ** Тенг муносабатда бўлмоқ, тенг кўрмоқ. *Ота-она ўз фарзандларини баравар кўради.*

2 *рвш.* Бир вақтда, бир пайтда; бир-биридан қолишмай. *Баравар ишламоқ. Баравар жўнамоқ. Ўрнидан баравар турмоқ.* ▬ *У эшикдан кирганда, даҳлизда ўтирган уч киши баравар ўрнидан туриб салом берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Карвон кетидан келаётган икки сарбоз орқадан эшитилган ногаҳоний чинқириқдан баравар тўхташди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

3 Саноқ сонлар, шунингдек, «неча», «бир неча» сўзларидан кейин келиб, шу миқдор даражасида қайтарилганликни, карраликни ифодалайди. *Бригада ҳосилдорликни.. икки баравар кўтаришга муваффақ бўлди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Князь сув пулини уч баравар ошириб юборибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..[Отабек] унинг [Кумушнинг] ҳусндагина эмас, ақлда ва бошқада Зайнабдан неча баравар юқорида эканини англади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кутганидан бир неча баравар ортиқ калтак еган душман ақл-ҳушидан озаётган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 «Бирга», «шунингдек» маъноларини ифодалайди. *Лекин шу билан баравар, Мирзакаримбой Йўлчининг бутун сиймосида катта жасорат ва ғурур сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нури бу йигит тўғрисида кўпроқ нарса билишни исташ билан баравар, бу қизнинг унга муносабатини очиш каби яширин бир ният билан гапни чувалатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 3-ш. эгалик, ж. к., ў-п. к. шаклларида келиб, кўмакчи вазифасида қўлланади (*қ.* **бараварига** II, **бараварида**).

БАРАВАРИГА I *рвш.* Бир вақтда, пайтда, баравар, бир-биридан қолишмай, бирдай. *Одамлар бараварига қарсак чалишар, Алимардоннинг рақибини олқишлашарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Ким? — икковлари бараварига сўрашди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БАРАВАРИГА II *кўм. взф.* Ўрнига, эвазига. *Она-бола бир неча йиллик меҳнат бараварига келган исқирт ўрикни ўртага қўйиб, хўрлик ва ҳақорат аламидан аччиқ-аччиқ йиғлашди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Бир таноб ердан олтмиш пуд пахта олиб, нақд пул бараварига ҳукуматга топширади.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БАРАВАРИДА *кўм. взф.* **1** ..билан бирга, ..билан баробар. *Шу мақола бараварида маълум қиламанки, суд Иброҳимов мендан пора сўрагани ёлғон.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Баландлигида, тенглигида, даражасида. *Агар сувни қайтаришга тўғри келса, унгурни сув бараварида юқоридан чопиб тушириш керак бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жамият олға қараб ҳаракат қилар экан, ёшлар ҳам ўша бараварида ўсишлари керак.* Газетадан.

3 Бир хил, тенг қийматда. *Бизнинг ерларда сув олтин бараварида юради.*

БАРАВАРЛАМОҚ Икки ёки ундан ортиқ нарсани ҳажми, ўлчами, катталиги, миқдори жиҳатдан тенг қилмоқ; мувозанатга келтирмоқ. *Қатимларнинг учини бараварламоқ. Тарози паллаларини бараварламоқ.*

БАРАВАРЛАШМОҚ 1 Бараварламоқ фл. ўзл. ва бирг. н. *Юклар бараварлашди. Тарози паллалари бараварлашди.*

2 Бирор ҳолати (аҳамияти, нуфузи, мавқеи)га кўра тенглашмоқ. *Илғорларга бараварлашмоқ.* ▬ *21 март куни бутун Ер юзида кеча ва кундуз давомийлиги бараварлашади.* «Фан ва турмуш».

3 Тенг қаторга келмоқ, ёнма-ён келмоқ. *Пойгачилар бараварлашди.* ▬ *Машина жувон билан бараварлашиб, яна бир марта сигнал берди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

4 *кўчма* Тенг келмоқ, бас келмоқ (мунозара, айтишув, жанжал ва ш. к. да.). *Манзура айтишувда қолишмади, унга бараварлашди.*

БАРАВАРЛИК 1 Тенг, баравар эканлик; тенглик. *Ёшимиз бараварлигини энди билдим.*

2 Ижтимоий тенглик, тенгҳуқуқлилик; адолат. *У [етимча] азонда турар, кеч ётар*

эди. Уни худо номидан уришар ва урар эдилар. Мана энди ўзингиз айтинг-чи, жиловнинг ҳамма учун бараварлиги қаерда? П. Турсун, Ўқитувчи. *У [Шокир] бу сўзлари билан ўзига қарши чиққан ва «ҳуррият»дан сўзлайдиган «бой билан камбағалларнинг бараварлиги»ни пучакка чиқарган эди.* С. Айний, Қуллар.

БАРАВЖ [бар.. + авж] *кам қўлл.* **1** Авжли, авж олган, ривожланган, кучайган, юксак даражада. *Ғўзалар бир текис баравж ривожланиб, қийғос гулламоқда.* Газетадан. *Уфқларга туташиб кетган яйловлардаги баравж майсалар шамолда аста чайқалади.* Газетадан. *Қалбларда қувонч баравж.* Газетадан. *Сафарқул ҳар бир хатнинг бошига юрт тинч, ўзи саломат, иши баравж эканлигини ёздирди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 *кўчма* Камолга етган; дуркун. *30 йилдан бери золим сайёдларнинг ноҳақ ўқларига кўкракларини сипар қилиб келган баравж ёшларгина бу кунги қадрлик кунларнинг қадрини билур.* Ҳамза, Танланган асарлар.

БАРАК I [*итал.* baracca – лой чайла < barro – лой] Ёғочдан қурилган вақтинчалик уй, яшаш жойи. *Барак системасида бинолар бир қават бўлиб, кўпинча ёғочдан солинади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Йўлдош, баракнинг ўртасидаги тахта скамейкада ўтириб.. лекторнинг салобатли овозига қулоқ солди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

БАРАК II [*ф.* برک] *шв. айн.* **чучвара**. *Хоразм ва Қорақалпоғистон муҳитида гўмма, юмуртқа барак тансиқ таом ҳисобланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Дук-дук этади бувим. Барак букади бувим.* «Бойчечак».

БАРАКА [*а.* برکه – дуо; розилик, ижозат; оллоҳнинг марҳамати] **1** Бирор нарсанинг (асосан, нозу неъматлар, экин ҳосили) кутилган даражадан мўллиги, сероблиги. *Барака кўтарилди. Барака йўқолди. Жанжалли уйда барака бўлмас.* Мақол. ▬ *Ғўза чилла сувига қонсагина, хирмонга барака киради.* Газетадан.

Баракаси кетди *ёки* **барака кўтарилди** Сероблиги йўқолди, мўллиги барҳам топди. *Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади.* Мақол. **Хирмонга барака!** Хирмон кўтараётганларга «ҳосил мўл бўлсин!» маъносида айтиладиган тилак. **Қўлида барака йўқ** *ёки* **қўлининг баракаси йўқ** Тежаб-тергаб, ўринли сарф қила олмайдиган киши ҳақида.

2 Оллоҳ берувчи насиба, неъмат; эҳсон. *-Худо барака берсин, тераверинглар! – деб фотиҳа берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Худо умрингга, молингга барака берсин.* Ҳамза.

3 Бирор нарса ёки ҳаракатдан келувчи фойда, наф; самара, унум. *Қайтган молда барака бор.* Мақол. ▬ *Йиғлама, йиғидан ҳеч ким барака топган эмас!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Мени олиб нима барака топдинг? Нуқул ғавғога қоласан.* «Ёшлик».

Барака топ (кур) «Кам бўлма», «омадингни берсин» маъносида айтиладиган олқиш, ундов. **Бор барака, бор барака топ, барака де(нг), барака қил(инг)** Олди-сотди савдосида «сўралаётган нархга хўп денг» маъносида ишлатиладиган ибора. *Қани, ҳа, ука, «барака де, барака де»лардан кейин ярим соатча.. савдолашиб, молни бир сўм ўн тийинга сотдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Қўлни беринг, боринг, барака топинг, олти юз.* С. Нуров, Нарвон. **Борига барака** Борига шукур, бори ҳам етиб қолар. *Борига барака, у ёғини оғзаки боплайман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

4 *кўчма с.т.* Қўшалоқ кўсак ва шундай кўсакда очилган пахта; қўшалоқ мева. *Этакка ёпишган тўнғизтароқларни юлиб ташлаб, «барака» қидиришлари ҳам, ғўзалар орқасига яшириниб олганча, қизларга хом кўрак отиб шўхлик қилишлари ҳам – ҳаммаҳаммасида алланечук қувноқ, зинҳор-зинҳор қайтиб келмас орзулар бор эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БАРАКАЛИ **1** Тўкин-сочин, мўл-кўл, яхши натижали. *Кўклам дўл, жала бўлишига қарамай, баракали ҳосил олишга эришдик.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Хирмонимиз баракали бўлса, давлатимиз, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.* Газетадан.

2 Мавжуд ҳолатидан қатъи назар кўпчиликка етадиган; фойдали; татимли. *[Тошхон:] Ҳа, жуда баракали қозон, ўзига ҳам юз челак сув кетади.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

Қўли баракали Қўлига тушган, қўлида бўлган нарсанинг, ишнинг баракасини оширадиган одам ҳақида. *Чўлоқ бўлса ҳам, қўли баракали. Экини ҳар йили ҳам чакки бўлмайди..* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Серунум, сермаҳсул, самарали. *Баракали иш. Баракали меҳнат.* ▬ *Эрталабки терим унумли, баракали бўлади.* «Ёшлик».

Бу рақамлар кекса санъаткорнинг баракали умрини ва унинг халқ олдида қилган катта хизматларини кишининг хотирида жонлантиради. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

БАРАКАЛЛА [*а.* بارك الله – сени худо муборак қилсин; офарин] *унд. с.* **1** Кимсанинг бирор ҳаракатидан мамнунликни, маъқуллаш, мақтовни англатади. *Баракалла, йигит! Мана бунисига қойил!* К. Яшин, Ҳамза. *-Баракалла, чеварим. Балли, ҳимматли қизим, – деб Нор ота сўзини завқланиб тугатди.* Қ. Муҳаммадий. *Баракалла, баракалла, ажаб қилибсизлар! Хўп қилибсизлар!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Маъқуллаш, тасдиқ маъносини англатади. *Баракалла, мана энди ўзингизга келдингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Норозилик, қониқмаслик маъносини англатади. *-Баракалла-е! – дедилар масхара қилгандай кулиб.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. [*Кумуш:*] *-Дўппи тикиб ўтирибсиз-ку, менинг олдимга чиқармидингиз, баракалла сизга! – деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БАРАКАЛЛАЧИ *айн.* **ҳайбаракаллачи.**

БАРАКАСИЗ *айн.* **бебарака.**

БАРАКАТ [*а.* بركت – дуо, оқ фотиҳа; оллоҳнинг марҳамати] *кам. қўлл. айн.* **барака.** *Барвақт қилинган ҳаракат – ҳосилга берар баракат.* «Қанотли сўзлар». *Сендан ҳаракат — мендан баракат.* Мақол.

БАРАКАТЛИ *кам қўлл. айн.* **баракали.** *Улуғлар назар солса, қўли баракатлидир.* «Бойчечак». *Олло Таоло ёшларга тинч ва баракатли умр берсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БАРАКАТСИЗ *кам қўлл.* Баракаси йўқ, баракасиз, бебарака.

БАРАЛ(Л)А [*ф.* برملا – аниқ, очиқ; рўйирост] *рвш.* **1** Аниқ, равшан; яққол (бирор нарса, ҳаракат ёки ҳолат ҳақида). *Деразадан тушиб турган ёруғликда унинг кекса кўзларидан тирқираб чиққан кўз ёшлари барала йилтираб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Асалхоннинг тинч, осуда кўзларидан миннатдорчилик туйғуси барала порлаб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Тун сукунатида отларнинг дукури қулоққа барала чалинарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Дангал, рўйирост, очиқдан-очиқ; дадиллик билан, тортинмасдан, бемалол. *Баралла айтмоқ.* ▬ *Қиз бўлиб турсанг-у, йигит сўзини Баралла айтолсанг ўз душманингга.* Ю. Ҳамдам, Тинчлик баҳори. *..ҳали ўзбек аёли ўзининг инсонлик ҳуқуқи ҳақида минбардан туриб, баралла гапирган эмас.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ойимхон сирни барала очиб гапира бошлаган эди, Гулсум уялганидан мулойим овоз билан кулди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Матқовул яктагининг енги билан кўзларини артди, бошини барала кўтарди.* М. Исмоилий, Фарғона т о. *Хотин чачвонини барала кўтариб, орқасига ташлади.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Муфти келганлар билан барала рус тилида гаплашарди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

3 Бор овоз билан; овозининг борича. *Давлатёр шу бугун эрталаб от суғоргани кетаётиб, кўчадан ашулани барала қўйиб ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хотин тураётиб, барала йиғлаб юборди.* А. Қаҳҳор. *Попук барала чинқириб юборганидан сўнг, эшикка чиқишга мажбур бўлдик.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

БАРАНҒОР [*туркий* – ўнг, ўнг тараф] *эск. ҳарб.* Ўрта асрда: аввал чингизийлар салтанатида, кейинча Амир Темур ва темурийлар даврида қўшинлар жанговар тартиби (сафи)нинг ўнг томонида турадиган ҳарбий қисм (корпус).

БАРАҲМАН [*ф.* برهمن] *қ.* **браҳман**.

БАРАҲНА [*ф.* برهنه – яланғоч; юзи очиқ] *эск. кам қўлл.* Очиқ-сочиқ, бемалол. *Шоолимҳожи.. хотинларида чачвон йўқ.. кўчаларда бараҳна кезадилар.* «Муштум».

БАРБОД [*ф.* برباد – беҳуда, бекорга, зое] Хароб, вайрон, бузилган, совурилган. *Ўзаро талашлар, фитнаю фасод Меҳнатни, савдони, қўшиқни эзди, Экин пайҳон ўлди, кўприклар барбод.* Шайхзода. *Бузуқни тузатиш, барбодни обод Бизнинг халқимизга бўлур муяссар.* Ғ. Ғулом.

Барбод бўлмоқ 1) йўққа чиқмоқ, чиппакка чиқмоқ, пучга айланмоқ, йўқ бўлмоқ. *Душманнинг тўрт бор ҳужуми ҳам барбод бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ёшлиги, номус-иффати, умид-армонлари барбод бўлди.* К. Яшин, Ҳамза. *Уф.. энди-чи, энди.. ҳаммаси барбод бўлди.. ҳа, барбод бўлди.* Ж. Жабборов, Севинч ёшлари; 2) бузилмоқ, пачава, расво бўлмоқ. *Тўрабек бу топшириқни бажара олмаса, эртага ишимиз барбод бўлади.* А. Раҳмат. *Қочса, ҳамма иш барбод бўлишини, ўзи устидаги гумон чинга айланишини биларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 3) совурилмоқ, беҳуда сарф бўлмоқ. *Ноқобил ўғил туфайли*

унинг бор топган-тутгани тез фурсатда барбод бўлди. Газетадан. **Барбод қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Хароб, вайрон қилмоқ; йўққа, чиппакка чиқармоқ, йўқ қилмоқ. *Кимдир тузар уни, кимдир бузади, Кимдир борини ҳам қилади барбод.* А. Орипов. *Душманнинг мудофаа истеҳкомлари барбод этилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Чўлни обод қилган ҳам сув, Боғни барбод қилган ҳам сув.* Газетадан. *Чорва планини барбод қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

БАРВАСТА [*ф.* بربسته – боғланган, маҳкамланган; ёпилган, ривожланмай қолган] **1** Гавдали, кенг яғринли. *Барваста йигит.* ▬ *Арслонқул барваста қомат, ўмровли, содда, ўн саккиз яшар йигитча эди.* Ойбек, Навоий. *Акахоннинг оёғида орқаси босилган кигиз шиппак, барваста гавдаси оғир чайқалади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Тик қоматли, келишган, кўркам. *Барваста қиз.* ▬ *Мен ўзим ошиқ бўлибман Бўйлари барвастага.* С. Зуннунова. *Қўлида китоби, барваста, лобар, Манглайи кенглиги бахтидек равшан.* F. Fулом.

Барваста қилмоқ Катта қилмоқ, вояга етказмоқ. *Барчани барваста қилган, Билсанг, ота-энади.* «Нурали».

БАРВАСТАЛИК Катта, келишган гавдага, кенг яғринга эга бўлишлик. *Йўлчибой очиқ, хушчақчақ, муғамбирликни билмайдиган, барвасталигига қарамасдан абжиргина йигит..* А. Қаҳҳор, Сароб.

БАРВАҚТ [бар.. + вақт] *рвш.* Мўлжалланган вақтдан, одатдаги вақтдан илгари; эрта билан, вақтли. *Барвақт қилинган ҳаракат ҳосилга берар баракат.* Мақол. ▬ *Меъмор барвақт туриб, уч шогирди билан бирга ташқари ҳовлида нонушта қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Асрорқул эрта билан барвақт туриб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БАРГ [*ф.* برگ – япроқ; варақ] *айн.* **япроқ**. *Олма барги. Ток барги. Тамаки барги. Барг чиқармоқ.* ▬ *Мана, баҳор келиб, гуллар барг ёзди.* «Муштум». *Дарахт баргидаги шода-шода шудринглар ботаётган қуёш нурида бирдан оловланиб кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

Ёлғон барг *с. т.* Ўсимлик (кўкат, ғўза ва б.) ердан энди униб чиққан пайтда пайдо бўлиб, кейинроқ тўкилиб кетадиган барг. *Ғўза ёлғон барг чиқариши билан дарҳол ягана қилиниши шарт.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2 Тут дарахтининг ипак қуртига озуқа сифатида бериладиган япроғи. *Ўқишдан чиқиб, қуртга барг кесгани борамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тоза барглар соламиз, Қуртимизга ёқсин деб.* «Қўшиқлар».

Барги нозик Қовуннинг навларидан бири. **Сен дарахтнинг шохида юрсанг, у баргида юради** Унинг ишбилармонлиги, қувлиги, шумлиги сеникидан ошиб тушади.

БАРГАК I [*ф.* برگه – данаксиз қуруқ мева] Данаги олинган ҳолда қуритилган ўрик; ўриккоқи. *Ориф ота чой дамлаб, патнисга бир ҳовуч баргак солиб келтирди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *-Айтгандай, Қурбон акани биринчи марта томга баргак ёяётганимда кўрганман, – деди Меҳри опа.* А. Эшонов, Дутор.

БАРГАК II [*ф.* برگه – баргча] Аёллар пешонасига, кўксига тақадиган, олтин ёки кумуш тангалардан тузилган баргнусха зийнат буюми, тақинчоқ. *Бобур унинг [Ойша бегимнинг] юзига ботиниб қарай олмай, кўкрагидаги олтин баргакларга кўз ташлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сенга туҳфа бўладурған олтин зирак, баргак, чўлпи, атир, упаларни улоқтир..* К. Яшин, Ҳой қиз.

БАРГАК III [*ф.* برگه] **1** Толнинг эрта кўкламда барг ёзиб, попук чиқарадиган сурх новдаси. *Баргак тақди яшил фусункор Мажнунтолнинг чилвир сочлари.* «Шарқ юлдузи». *Ариқ лабларидаги эндигина баргак ёзаётган толларга табассум билан қарайсан, чарчоқларинг унутилади.* Ў. Умарбеков, Баҳор нафаси. *Эндигина баргак ёзган толзордан майин шамол эсди.* «Шарқ юлдузи».

2 Шундай тол новдаларидан сидириб (шилиб) олинган пўстлоқдан ясалган сочпопук. *Чучмома излаган қизлар сочига Баргак улаганда, эсладим сени.* Э. Воҳидов. *Эрта баҳор, болалар томда варварак учирадиган, қизлар сочларига баргак тақадиган вақт.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

Оқ уй, ола баргак Серҳашам, данғиллама уй ҳақида. *-Нима, бегона бўлмай, сен мана шу даштликмисан, ё ўзингга оқ уй, ола баргак солгани келдингми? – деб ғўнғиллади Холдор кўрпа тагидан.* А. Мухтор, Туғилиш.

БАРГИЗУБ [*ф.* برگزب] *бот.* Йирик баргли калта пояли, гуллари майда кўп йиллик ўт ва унинг халқ табобатида доривор сифатида ишлатиладиган барги. *Баргизубнинг барглари наштарсимон, текис қиррали, гул-*

лари майда, кўримсиз бўлиб, баргсиз поянинг учида бошоқсимон тўпгул ҳосил қилади. «ЎзМЭ». *Қорабойни уйга опкелиб, айвонга ётқиздик. Ярасига баргизуб қўйиб, отқулоқ босдик.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

БАРГИЗЎТ *айн.* **баргизуб.** *Яра-чақа бўлганларга кампирнинг отқулоқ, зиғирак, баргизўтлардан «дори» тайёрлаб бериши-чи.. Бу ишни кампир «холисанлилло бажараман» дерди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

БАРГИКАРАМ [барг + карам] **1** Оч яшил ранг, карам рангли. *-Баргикарам, қовоқ, сариқ, гилос, нимпушти, — дейди чол ипакларни бир-биридан айириб.* Ойбек, Болалик. *Гўё баргикарам барқут устига Чўян ётқизгандай.. Учамиз ҳамон.* Уйғун.

2 Хонатласнинг баргикарам рангли гуллар солинган бир тури. *Ўйлаб қолар тонгда ғунчалар, Кийиб баргикарам нимчалар.* Э. Охунова.

БАРГЛАМОҚ Барг ёзмоқ, барг чиқармоқ. *Кўчатлар барглади.*

БАРГЛИ Япроқли, япроқ чиқарган ёки чиқарадиган. *Игна баргли дарахтлар.* ▬ *Тайгадан жануброқда қишда ўз баргини тўкадиган аралаш ва баргли ўрмонлар бошланади.* «География».

БАРГРЕЗОН [*ф.* برگریزان — барг тўкилиши] Хазонрезги давр; куз. *Ёшлик зангор фасл. Кечди. Сарғайди. Тўкилди у. Шафқат билмас баргрезон.* «Гулдаста». *Кўз билан кезаман. Йўллар ҳўл, хазон, Телбадай алаҳлар гоҳ-гоҳ баргрезон.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик.

БАРДА [*р.* барда — тўпон; чиқинди] Қанд ва спирт заводларининг қишлоқ хўжалик ҳайвонларига озуқа сифатида ишлатиладиган чиқиндиси, тўпон, турп. *Озиқ-овқат саноатининг чиқитлари: барда, жом, мелесса.. озуқаларнинг ўрнини тўлдиришнинг катта манбаидир.* Газетадан.

БАРДАВОМ [бар.. + давом] Доимий, пайдарпай, бир-бирига уланиб кетган. *Адабиётда ўзича бўлтак авлодлар бўлмайди, авлодлар бир-бирига бардавомдир.* Газетадан.

БАРДАМ [*ф.* بردم < бар.. + دم — нафас, вақт: соғлом; қувватли] **1** Куч-қувватга эга; куч-қувватини йўқотмаган, тетик. *Бардам чол. Бардам бўлмоқ.* ▬ *Уйқуси бутунлай тарқаб кетгач, [Аҳмад] ўзини жуда тетик ва бардам сезди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Дадангиз.. Шерали қалай, бардамми?* Ойдин, Ҳикоялар. *Вақт хуфтондан ўтгандан кейин Умурзоқ ота ўзини анча бардам ҳис эта бошлади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

Бардаммисиз? Сўрашиш, ҳол-аҳвол сўраш шакли. *-Бардаммисиз, отахон? — деди Муса.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хўш, бардаммисиз, Шарипова.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Куч-қувват, ғайрат, тетикликдан дарак берувчи; ғайрат, тетиклик билан. *Бардам юриш. Бардам қадам.* ▬ *Ота залворли таёғини қорга ниқтаб босиб, бардам қадам ташларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мастура.. бардам қадам ташлаб, операция залининг эшигини ўзи очиб кириб кетди.* А. Қаҳҳор.

3 Ишончга тўла, шижоатли; сергак, ҳушёр. *Доимо умидим бардам бўлса ҳам, Баъзан васвасалар босар дилимни.* Ғ. Ғулом. *Унинг ютуқ ва зафарларга чорловчи бардам овози.. жаранглаб эшитиларди.* Газетадан. *Темир йўлнинг баҳодир посбонлари — стрелкачилар ўз постларида бардам турадилар.* Газетадан.

БАРДАМЛАШМОҚ Кучга, куч-қувватга кирмоқ; ўзини тетик сеза бошламоқ. *Сал бардамлашгунча беморни уйида даволаб турган Ҳабибахон кейинчалик Тўлғонойни туғуруқхонага келтирди.* Газетадан. *Кўк чойни ичиб, Эркиннинг ҳорғинлиги чекиниб, вужуди бардамлашди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БАРДАМЛИК 1 Куч-қувватга кирганлик ҳолати; тетиклик. *Чўл ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олсанг, танангда бардамлик, янги куч пайдо бўлади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Улуғ ишларни бажармоқ учун куч-қувват, соғломлик, бардамлик ва ҳушёрлик зарур бўлади.* Газетадан.

2 *кўчма* Шижоатлилик, ўзига ишонишлик. *Қарашларида ҳаётда ўз мавқеини тўла аниқлаб олган хотинлардек ишонч, бардамлик мавжуд.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам уни [Рўзибойни] бардамликка ўргатди.* Газетадан.

БАРДАСТ [бар.. + *ф.* دست — қўл]: **бардаст кўтармоқ** Бир зўр билан ердан узиб, тик кўтармоқ. *Қумрихон жўнайди шошилиб шу пайт, Йиғилган баргини бардаст кўтариб.* О. Қўчқорбеков, Куйларим ва ўйларим.

БАРДИ [*а.* بردى — папирус] Botқоқ ва зах ерларда ўсадиган барги узун ва уч қирралли, кўп йиллик ўсимлик; қиёқ. *Тоқлар кесилгандан сўнг, ота-бола уларни ётқизиб.. устига барди — қуритилган қиёқ ўт.. ташлади.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Қишда [сигирларни]*

қуруқ беда, шелуха, барди, кунжара, кепак каби озуқалар билан боқаман. Газетадан.

БАРДОР I [*ф.* بردار < برداشتن – «кўтармоқ; олиб кетмоқ; йиғиб олмоқ» фл. ҳоз. з. ўзаги] Қўлда кўтарувчи; юқори тутиб турувчи; бўйсунувчи; бажарувчи. *Соат тўққизларга бориб, ўттиз чоғли одам фармонга бардор бўлиб, ўт ўчириш командасининг сафига ўхшаб, чойхона олдида савлат тўкиб туришди.* Мирмуҳсин, Супургига сажда. *Бир неча қадам илгари борғонимда.. милтиқ бардор.. милискани кўриб.. рўбару бўлдим.* «Муштум».

БАРДОР II [*ф.* بردار] *эск. тар.* Кўтарилган хирмондан ғалвир билан ўлчаб, амирлик учун бериладиган ғалла. -*Бу арпадан биз оладиган даҳяк ҳам «бардор»га қолдида, – деб ижарадор ҳам жўнади.* С. Айний, Қуллар.

БАРДОР-БАРДОР: **бардор-бардор қилмоқ 1** Кўтар-кўтар қилмоқ, қўлма-қўл кўтармоқ; кўтариб олқишламоқ. *Санобар дарвозадан кириб бориши билан, давлат қуши келиб бошига қўнди. Истамбулнинг катталари бардор-бардор кўтариб, тахтга миндириб, подшо қилиб, бошига тож кийдириб қўйди.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Қоражонни отнинг устидан олиб, гиламнинг устига солиб, бардор-бардор қилиб кўтариб, бахмал уйга киргизиб кетди.* «Алпомиш».

2 *кўчма* Иззат-ҳурматини меъёридан ошириб юбормоқ. *Бунча бардор-бардор қилиб қолдинг.*

БАРДОШ [*ф.* برداشت – сабр; чидам] **1** Чидам, сабр, тоқат, дош бериш қуввати. *Бардош билан кутмоқ.* ▬ *Бардош, ақл, саботга суянсанг, тоғ бўлурсан.* «Саодат». *Деҳқоннинг мардлигига, бардошига тасанно айтмоқдан ўзга чора йўқ эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ташналикда то лабларим қақрагунча, Сени излаб талпиндим, тоғ экан бардош.* Г. Жўраева, Иқбол.

Бардош бермоқ (*ёки* **қилмоқ**) Қийин ҳолатларга чидамоқ, сабр-тоқат қилмоқ; кўтара олмоқ. *Олти болани тупроққа қўйиш.. Бу мусибатларга қандай бардош беради экана?* К. Яшин, Ҳамза. *Ширин сўзга, эркалашга қайси аёл бардош бера олади-ю, меҳр қайси аёлнинг юрагини эритиб, сел қилиб юбормайди.* Ф. Мусажонов, Қисса ва ҳикоялар. *Бу дунёда ҳеч ким кўнгли тўлмайди, Бардош қилмай, бошга давлат қўнмайди.* «Гулихиромон».

2 Ирода, қатъият. *Уруш бардошимизни синовдан ўтказяпти. Чидашимиз керак.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Пошша хола куёвиники тутиб турганидан, одатдагидек хафа бўлмади, терс ўгирилиб ҳам олмади. Балки бардошини қўлга олиб, жилмайди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БАРДОШЛИ Чидам, тўзимга эга, чидамли, сабр-тоқатли. *Борида – вазмин бўл, Йўғида – бардошли.* Газетадан. *Умидсизланмаган, иродаси мустаҳкам, бардошли кишилар муродига етадилар.* Газетадан. *Ҳаёт инсондан бардошли бўлишини тақозо этади.* Газетадан.

БАРДОШЛИЛИК Мустаҳкамлик, маҳкамлик. *Янги конструкция туфайли қирқувчи ускунанинг бардошлилиги икки марта ошди.* Газетадан.

БАРДОШСИЗ Сабр-тоқати йўқ; чидамсиз, иродасиз. *Бардошлига ёғлиқ ош, Бардошсизга оғир тош.* Мақол. ▬ *Севги учун beниҳоя бардош керак. Бардошсизлар севгиси умрбод аро йўлда сарсон-саргардон.* М. Жўра, Изтироб.

БАРЕЛЬЕФ [*фр.* bas-relief – паст рельеф] Текис юзага бўрттириб ишланган тасвир; нақш. *Гипс барельеф. Улуғбек барельефи.* ▬ *Археология иншоотлари ва амалий санъат буюмларидаги нақшларни барельеф йўсинида ишлаш кенг тарқалган.* «ЎзМЭ».

БАРЖА [*фр.* barge< *лот.* bara – енгил кема] Шатакка олиб юриладиган ёки ўзиюрар, таги ясси юк кемаси. *Баржаларни кемаларга улаб қўйсанг, ўзи тортиб кетаверади, деб ўйлашади.* Ж. Абдуллахонов, Хазина ғойибдан келмас.

БАРЗАНГИ [<*ф.* زنگی ва *а.* زنجی – қора танли, негр] **1** *айн.* **занжи.** *Эрк шайдоси – Африқо барзангилари учун, Қани, ҳа, сипқарайлик.* Мирмуҳсин, Қиссалар ва ҳикоялар.

2 *с.т.* Ҳайбатли, давангирдай, йўғон гавдали. *Тоштемирга негадир, эҳтимол, мўридан чиққандай қоп-қора ва бақувват барзангидай бир йигит бўлгани учундир — Тошқора лақабини тақишган.* О. Ёқубов, Тилла узук. ..*Тўғон, қоп-қора бир барзанги, битта урса, ўлдириб қўяди.* «Муштум».

БАРЗАНГИСИФАТ [барзанги + сифат] Барзангига ўхшаш, ҳайбатли. *Бир дўкон айвонидаги темир бочкалар ёнида соч ва соқоли ўсган барзангисифат бир эркак ётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БАРИ *жамл. олм.* Бир турдаги нарса, ҳодиса ёки кимсаларнинг ҳаммаси, барчаси. *Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир.* Мақол. ▬ *Мен уни севаман. Бу рост. Қолган гапларнинг бари ёлғон, бари туҳмат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отлар, одамлар — бари аралаш-қуралаш бўлиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Дилда неки журъатим бор, Дилда неки ҳаяжон — Бари-бари сенга бўлсин, Сенга бўлсин, онажон.* А. Орипов.

Бари бир 1) ҳаммаси бирдек, ҳеч қандай фарқи йўқ, фарқсиз. *Тухуми бирнинг бари бир.* Мақол. ▬ *Фарзанд ўғилми, қизми — бари бир, ота-онанинг юраги бўлар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Менда ихтиёр йўқ, ойижон! — деди Кумуш. Сизлар нимани маъқул кўрсаларингиз, менга бари бир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *крш. с.* ҳеч нимага (нарсага) қарамай, нима бўлса ҳам, ҳар қандай бўлганда ҳам. *..мен банди, сотилган чўри қатори одам бўлсам ҳам, хоҳлаган-хоҳламаганни, бари бир, ёнимга келтирмасликка кучим етади.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Иш қанча оғир бўлмасин, бари бир кетмон, белкурак асосий иш қуроли бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

БАРИБОҒ Бир йилга ижарага олинган боғ. *Барибоғ олмоқ.*

БАРИВОЖ [ба.. + ривож] Ривожланган, авж олган; ўнгидан келган.. *Баривож ғўзалар. Иши баривож топмоқ.* ▬ *Ғайбулло деган бир имом.. ундай деб-бундай деб, таловчилик ишини баривож қилиб бормоқда.* Газетадан.

БАРИЙ [*лот.* Baryum < *юн.* barus — оғир] Менделеев даврий системасининг II гуруҳидаги оқ рангли, кумушсимон кимёвий элемент, металл. *Барий гидроксид. Барий карбонат. Барий сульфат.* ▬ *Металл барийни инглиз кимёгари Г. Деви электролиз йўли билан олган.* «ЎзМЭ».

БАРИКАРАМ *с.т. айн.* **баргикарам.** *Ибодулла бошидаги барикарам духоба дўпписини тузатар экан, гап қўшди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

БАРИМТА *эск. тар.* Кўчманчи қабилаларда бир уруғга бошқа бир уруғ томонидан етказилган зарарни тўлашга ёки ҳақоратланган томоннинг иззат-нафсини қондиришга мажбур қилиш мақсадида, гаров тариқасида унинг молларини зўрлик билан ҳайдаб кетиш ёки мол-мулкини босиб олиш одати. *Чигирткадан қўрққан экин экмас, Баримтадан қўрққан — мол йиғмас.* Мақол. ▬ *Баримта дастлаб айбдор уруғ ёки қабила ўзи етказган моддий зарарни тўлашдан бош тортган тақдирда, бий (қабила, уруғ бошлиғи)лар тарафидан уюштирилган.* «ЎзМЭ». *Деҳқон ҳаётининг сўнгги манбаи бўлган бир парча ери билан суви ҳам қарзига баримта қилинар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БАРИН [*р.* боярин, бояр < бой — «уруш», «кураш» сўзидан ёки *туркий* — бой эр, бой эркак] Ўтмишда Россияда ҳукмрон синф вакиллари, катта ер эгаларининг унвони, ўша унвон эгаси; оқсуяк, зодагон.

БАРИНА [*р.* барин + а] *с.т.* Дворян аёл, оқсуяк аёл. *Валихон сўфи ҳамон касал, дўконимизга тўра келгани, уйимизга барина киргани обрўйимизни ошириб, тинчгина ишлар эдик.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар. *Бутунлай кўринмай кетгандан кейин эса Тўра қизга қараб: -Вой, яхши барина экан! — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БАРИСФЕРА [*юн.* barysphaira — оғир шар] Ернинг ички қисми. *Барисферанинг руда қобиғи темир, хром, никель, магний ва кремнезёмга бой.* «ЎзМЭ».

БАРИТ [*юн.* barus — оғир] Табиатда ҳар хил (тиниқ, сариқ, қўнғир, кулранг, қора) рангда учрайдиган, сульфатлар синфига мансуб минерал. *Барит.. тиббиёт, резина ва қоғоз ишлаб чиқариш, пиротехника, кўнчиликда, озиқ-овқат саноати, кулолчилик, оқ бўёқ тайёрлашда ишлатилади.* «ЎзМЭ».

БАРИТОН [*юн.* barus — вазмин, оғир + tonos — таранглик; товуш] *мус.* **1** Эркак хонандалар овозининг баландлиги жиҳатидан бас билан тенор оралиғидаги тури. *Баритон.. лирик ва грамматик турларга бўлинади.* «ЎзМЭ».

2 Шундай овозда ашула айтувчи киши.

3 Трубадан бир октава паст овоз берувчи мундштукли пуфлама чолғу асбоби.

БАРКАМОЛ [бар.. + камол] **1** Жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга эришган, вояга етган. *Бўлган эди бир соҳибчирой, Ой сингари тўлин, баркамол.* «Саодат». *Бир Тўлғоной деган қизи бор эди, бу ҳам бўйи етиб, баркамол бўлиб қолган эди.* «Ойсулув». *Малика Оққизнинг шундай баркамол йигитга тегаётганидан ҳасад қилмасди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 *кўчма* Етукликка эришган, камол топган, бекаму кўст, мукаммал. *У юракнинг ўзидек ҳассос, Табиатдек эди баркамол.* Э.

Воҳидов. *Ота ўз орзусига эришди — фарзанд баркамол зот бўлиб етишди.* «Ёшлик». *Табиат уни баркамол этиб яратмиш: ҳусну малоҳатию ақлу заковати бир-биридан зиёда.* С. Сиёев, Аваз. *Маҳоратимни ошириш устида олиб борилган ижодий изланишлар бадиий баркамол асарларнинг вужудга келишига омил бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БАРКАМОЛЛИК Етуклик, мукаммаллик ҳолати; камолот чўққиси. *..унинг ижодидаги маълум йўналишлар у баркамоллик пиллапоясида турибди, дейишимизга асос беради.* Газетадан. *Кишини кулдириш учун биринчи навбатда қобилият, хушчақчақ кайфият ва маънавий баркамоллик керак.* Газетадан. *Инсон доимо мукаммаллик, баркамолликка интилади.* Газетадан.

БАРКАШ [*ф.* برکش < برکشیدن — «кўтармоқ, тортиб чиқармоқ» феълидан] **1** Жез ёки мисдан тайёрланадиган ва патнис ўрнида ишлатиладиган, доира ёки тўртбурчак шаклидаги рўзғор асбоби. *Манзурахон оппоқ сочиқ тўшалган баркашда қаҳва кўтариб кирди.* А. Аъзамов, Жавоб. *Қизил белбоғли ёш йигит кириб, дастурхон ёзди, баркашда нон, турли ноз-неъматлар ва уч коса шарбат келтириб қўйди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *кўчма* Тўгарак, гардиш, юмалоқ, доирасимон. *Қуёшнинг олтин баркаши. Ой баркаши.* ▬ *Қип-қизил қуёш баркаши қоялар учларини ҳам қизилга бўяб ботаётир.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Денгиз ўйнар ой баркашин тўп қилиб, Унинг юзи кўринади сепкилли.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим. *Ўсиқ киприклари орасидаги чарос кўзлари олов баркаш — қуёшдек жозибали.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

Баркаш-баркаш 1) мўл, жуда кўп. *Шунда ўша мўйсафид чиқиб, [бойваччанинг] олдига баркаш-баркаш ноз-неъматлар қўйибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. 2) *кўчма* катта, бўлиқ. *Говмишлар пода-пода, Баркаш-баркаш елинлик.* Миртемир, Асарлар. **Бошини баркаш, елкасини обкаш қилмоқ** Бутун борлиғини бахшида қилмоқ. *Ахир не-не кўргиликлар билан, бошимни баркаш, елкамни обкаш қилиб вояга етказдим.* С. Сиёев, Райҳон.

БАРЛОС *тар. этн.* **1** Темурийлар ва бобурийлар даврида асосан Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида, қисман Афғонистон ва Ҳиндистонда яшаган, аксарият чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келган ўзбек қабилаларидан бири. *Ҳа.. биз асли шаҳрисабзлик, барлос уруғлариданмиз. Отамиз сарбоз бўлганлар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У шундайки, яхши тиғни дилрабо маъшуқасидан афзал кўради, ўзи барлос бекзодалардан.* Ойбек, Навоий.

2 *этн.* Барлос қабиласига мансуб шахс. *Беклaрбеги Музаффар барлос подшоҳга яқин, энг юқори ўринни ишғол этди.* Ойбек, Навоий. *Эрта тонгда боргоҳлар йиғиб олиниб, сарқарда Амир Довуд барлос олдинда, қўшин яна йўлга тушди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БАРМЕН [*ингл.* barmen — бар эгаси; барда ишловчи] Бар эгаси; бар хизматчиси, буфетчи.

БАРМОҚ 1 Қўл ва оёқ панжасининг бешта ҳаракатчан қисмидан ҳар бири. *Бош бармоқ. Кўрсаткич бармоқ. Ўрта бармоқ. Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир.* Мақол ▬ *Кучли изғирин.. қулоқларни кесади, совуқдан оёқларнинг бармоқлари увушади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Момиқ пахталар унинг [Гавҳарнинг] нозик бармоқларига ўзи илашиб чиқар, чаноқлар ҳайратдан оғиз очиб, силкиниб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унинг [Гуландомнинг] бармоқлари дутор қилларида моҳир ўйнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бармоқ билан санарли Оз, жуда кам (қолган). *Сизга ўхшаш моҳир қурувчилар бармоқ билан санарли, бетончилар эса, битта ҳам йўқ.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Агар бундай кишилар илгари бармоқ билан санарли бўлган бўлса, бундан кейин юзлаб, минглаб чиқади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бармоқ босмоқ** Ҳужжатга имзо ўрнига бармоқ изларини туширмоқ. *Деҳқон йигит қувонч ва умидга тўлиб, Аҳмад Ҳусайндаги варақага бармоғини босади.* Ойбек, Нур қидириб. *Отабувамизнинг расмича шу бармоқни босаверамиз-да.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Бармоқ вазни** *ад.* Ҳар бир сатрда бўғинлар сонининг бир хил бўлишига, мутаносиблигига асосланган шеърий вазн. *«Алпомиш» ўзбек халқининг миллий шеър вазни бўлган бармоқ вазнида тўқилган.* Ҳ. Олимжон, Алпомиш. *Сизнинг ғазалларингизни бармоқдаги шеърларингиз билан қиёс қилганда, ғалати бир ҳодисага дуч келганман.* У. Норматов, Талант тарбияси. **Бармоқ орасидан қарамоқ** Бепарво, лоқайд бўлмоқ, етарли даражада аҳамият, эътибор бермаслик. *Бўтабой ака баъзан муроса*

йўлини тутганда, сиз бунга бармоқ орасидан қараётибсиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бармоғини бигиз** (*ёки* **найза**) **қилмоқ** Кўрсаткич бармоғи билан ишора қилмоқ, танбеҳ бермоқ. *-Ҳақорат қилма, — Қобил бармоғини бигиз қилиб, Ўтапга ўшқирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бармоғини қизнинг кўзига бигиз қилган экан, қиз дод деб юборибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бармоғини тишламоқ** 1) афсус қилмоқ, аттанг демоқ. *Билган билганин ишлар, Билмаган бармоғин тишлар.* Мақол. *Эринчоқ икки ишлар, охири бармоғин тишлар.* Мақол. *Вақтингни ўтказиб, бармоғингни тишлаб қолма.* «Қанотли сўзлар»; 2) лол қолмоқ, ҳайрон бўлиб, ўйланиб қолмоқ, хаёл сурмоқ. *Ҳовузни қишлоқ ичидан сув тошиб тўлдиришга келганда, ҳамма бармоқ тишлаб қолди.* «Муштум». *Қосимов унга [Комилжонга] дарҳол жавоб қилмади, аксинча, бармоғини тишлаб, узоқ вақт жим юрди.* И. Раҳим, Ихлос. **Беш бармоғини оғизга тиқмоқ** (*ёки* **урмоқ**) *айн.* **беш қўлни оғизга тиқмоқ** (*ёки* **урмоқ**). *қ.* **беш**. *Беш бармоғинг оғзингга тиқма, инсоф сари барака деганлар.* **Беш бармоқдай билмоқ** Жуда яхши билмоқ; аниқ тасавур қилмоқ. *Нарсаларнинг қадрини беш бармоқдай билади.* Қ. Муҳаммадий. *Тошкентдан келган Миршарипов Хоразм ўлкасини беш бармоғидай яхши биларди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ноила ҳаммани беш бармоғидай билади.* С. Зуннунова, Олов. **Икки бармоқни бурунга тиқиб қолмоқ** *айн.* **икки қўлни бурунга суқиб** (*ёки* **тиқиб**) **қолмоқ** *қ.* **бурун** I. *Бизнинг шартимиз шуки.. ерсиз ва кам ерли камбағаллар икки бармоғини бурнига тиқиб қолмасин!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Ҳали икки бармоғимизни бурнимизга тиқиб юраверамиз денг? — Замон ҳаяжонланиб яна сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тахминан ўрта қўл (бармоқ) энига баравар узунлик ўлчови. *Кимга бармоқдай, кимга тирноқдай.* Мақол. *Бешта бало недан келар, Икки бармоқ тилдан келар.* Мақол. ▬ *Бўйи ердан тўрт бармоқ кўтарилган ғўза ораларига ёйилган хотин-қизлар пахта оралиғидаги ёт ўтларни термоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар.

Ўн икки бармоқли ичак *анат.* Ингичка ичакнинг ошқозондан бошланадиган ва узунлиги ўн икки бармоқ энига тенг келадиган қисми.

3 *тех.* Машина ва механизмларнинг ғўлача шаклидаги қисми.

БАРНО [*ф.* برنا — ёш йигит, ўсмир] **1** Ёш, навқирон. *Ёки бирор барно йигитни кутармикан интизор бўлиб.* Уйғун. *Юмшоқ муомалали бу барно йигитларни кўриб, Холжон хола ҳам талтайиб кетди.* Ғайратий, Довдираш.

2 Ҳусни одатдагидан ортиқ; чиройли, гўзал, соҳибжамол; қадди-қомати келишган. *Балки сиз ҳам кўргандирсиз ўшал барнони, Кулгич юзли, қалам қошли, кўзи шаҳлони..* «Муштум». *Ҳаммаёқда тўп-тўп гулчеҳралар, барнолар, санамлар, малоҳату ойхуморлар, гулпошшаю гулойимлар!* С. Сиёев, Аваз.

3 Барно (аёллар ва эркаклар исми).

БАРО- [*юн.* baros — оғирлик] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг «босим» маъносида қўлланувчи биринчи таркибий қисми.

БАРОБАР [*ф.* برابر — юзма-юз; тенг] **1** *айн.* **баравар**. *Шошган шамол билан баробар.* Мақол. ▬ *Лекин ул қирқ минг элат ичида бу қизга қуввати баробар келадиган эр йигит йўқ эди.* «Бўтакўз». *Менинг олдимда шоҳу гадо баробардир.* С. Сиёев, Аваз.

2 *мат.* Маълум миқдорнинг тенг, баравар келиши. *Уч карра уч — баробар тўққиз.*

БАРОГРАММА [баро.. + *юн.* gramma — ёзув; ёзаман] Барограф ёзиб олган, атмосфера босимининг ўзгаришларини кўрсатадиган эгри чизиқ.

БАРОГРАФ [баро.. + *юн.* grapho — ёзаман] Атмосфера босимини автоматик ва узлуксиз равишда ёзиб оладиган асбоб, ўзиёзар барометр. *Барограф метеорология станциялари, самолёт ва аэростатларда ишлатилади.* «ЎзМЭ».

БАРОКАМЕРА [баро.. + *лот.* camera — гумбаз, хона] Барометрик босимни сунъий равишда ўзгартиришга имкон берувчи зич ёпиладиган (герметик) камера. *Паст босимли барокамера. Юқори босимли барокамера.*

БАРОККО [*итал.* barocco — ажиб, ғалати, жимжимадор] 16-аср охири — 18-аср ўрталарида Европа санъатида мавжуд бўлган, манзаравий серҳашамлиги, жимжимадорлиги, тасвирий ранг-баранглиги билан ажралиб турадиган услублардан бири. *Барокко услубида қурилган меъморий мажмуалар фазовий ечими, майда меъморий безакларга мўллиги ва ягона ғояга бўйсуниши билан ажралиб туради.* «ЎзМЭ».

БАРОЛ *с.т. айн.* **барор**. *Ов баролидан келмаса ҳамки, афсус қилишмади.* Ш. Рашидов. Қудратли тўлқин. *Мен ҳам батрак бўлдим, лекин бу вақтда батракка барол боққан эди.* Газетадан.

БАРОМЕТР [баро.. + *юн.* metreo – ўлчайман] **1** Атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб. *Симобли барометр баъзан металл косасиз, фақат шиша найдан ясалади.* «ЎзМЭ».

2 *кўчма* Ўлчов, мезон. *Савдо иқтисодиётнинг энг тўғри барометридир.* Газетадан. *Қисқаси, даврнинг зарурий эҳтиёжлари фан учун барометрдай гап.* С. Кароматов, Олтин қум. *Адабиётни ҳақли равишда ижтимоий ҳаётнинг энг сезгир барометрига қиёс этишади.* «ЎТА».

БАРОМЕТРИК *геофиз.* Атмосфера босимига оид. *Барометрик ўлчамлар. Барометрик формула.* ▬ *..барометрик босимнинг камайиши организм ҳаёт фаолиятининг анчагина издан чиқишига сабаб бўлади.* «Фан ва турмуш».

БАРОН [*фр.* baron < *лот.* baronis – анқов, лапашанг; ёлланма аскар] Ғарбий Европа зодагонлари, дворянларининг графдан бир поғона паст унвони ва шундай унвон олган киши. *Барон ўрнидан тураётиб, хушомад тарзида не машаққатлар билан илжайди..* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Мендан узоқ қочсин эмиш ой, юлдуз, қуёш, Немис барон, князлари хўжа бўлсинмиш.* Ҳ. Пўлат.

БАРОР [*ф.* برار – мевали; маҳсулдор; фойдали] Ишнинг ўнгидан келиши, ривожи; ривож. *Барор топмоқ. Бароридан келмоқ.* ▬ *Чўлга биринчи марта пахта экдик. Деҳқончилигимиз бароридан келди.* Газетадан. *Булар шу ерда кечгача ётишди, бироқ ов бароридан келмади: биронта фашист кўринмади..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

БАРОТ I [*а.* برات – оқлаш; бегуноҳлик; соддадиллик] *тар.* **1** Подшо томонидан берилган озодлик хати; подшоҳ, хон томонидан бирор солиқ ёки жаримадан озод этиш ёки муайян ваколатлар, ҳуқуқлар бериш ҳақидаги махсус гувоҳнома, ёрлиқ. *Баротда уни олувчининг исми ва мансаби, мазкур барот қандай муносабат билан берилгани, унга қандай вазифа юклатилганлиги кўрсатилган.* «ЎзМЭ».

2 Бирор нарса, чунончи, унвон олганлик ҳақидаги ёрлиқ, гувоҳнома. *Дил сиёҳига берур ул шоҳ нутқидин барот, То юзун кўрмай демам: берган бароти рост экан.* Увайсий.

БАРОТ II [*а.* برات – шаъбон ойининг 15-куни] **1** *дин.* Қамарий йил ҳисобидаги саккизинчи ой – шаъбоннинг 15-куни: бу кунда Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик хабари нозил қилинган.

2 *с. т.* Қамарий саккизинчи ой – шаъбоннинг халқ орасидаги иккинчи номи.. *Барот ойи.* ▬ *-Мен айтаманки, йўқ, барот ойида туғилган эканман, олтмишларда бўлсам керак, – деди кампир.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Барот (эркаклар исми).

БАРОТЕРАПИЯ [баро.. + терапия] *тиб.* Атмосфера босимини ўзгартириш йўли билан даволаш усули. *Баротерапияда шакли ва ҳажми ҳар хил идишлар, камералардан фойдаланилади.*

БАРОТРАВМА [баро.. + травма] *тиб.* Атмосфера босимининг бирдан ўзгариши натижасида эшитув аъзосининг, ўпканинг шикастланиши. *Баротравмада дастлаб қулоқ оғрийди, кейин одам яхши эшитмайди, қулоғи шанғиллайди, баъзан боши айланади.* «ЎзМЭ».

БАРОҚ Қалин, узун ва бир оз жингалак (юнг, жун). *Бароқ қош. Бароқ соч. Бароқ мўйлов. Бароқ ёл. Бароқ мушук.* ▬ *Қудратнинг бароқ қошлари бир-бирига тортилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Жондор ота қирра бурнининг тагида яйраб ўсган оппоқ бароқ мўйловини ўйнаб, мийиғида кулди.* Газетадан. *Ертандир устига чиқиб, офтобда юз юваётган бароқ мушук миёвлади.* Ҳ. Назир, Сув гадоси – оқпадар.. *Йўл устида ястаниб ётган харсангтошларнинг елкасидаги.. қўнғир бужурлари арслоннинг бароқ ёлини эслатар эди.* «Шарқ юлдузи».

БАРОҚҚОШ Ўсиқ, жингалак қошли (одатда шахс ҳақида). *У бароққош, кўзи чақчайган, афти ишшайган.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Яхшибоев ёшуллининг қиёфасини эслатади: рапидаюз, бароққош бир кимса..* М.М.Дўст, Лолазор.

БАРПО [*ф.* برپا – барқарор, турғун; қурилган, ўрнатилган]: **барпо бўлмоқ** Бунёдга, вужудга келмоқ, қурилмоқ. *Ёлғон, эгриликка ўрганма асло, Жаҳон тўғриликдан бўлмишдир барпо.* «Ақл ақлдан қувват олади». *..бирон нарса, бирон ваъда эвазига яна уйда номаълум муддатга тинч-тотувлик барпо бўларди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Барпо қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Бунёдга, юзага кел-

тирмоқ, ташкил этмоқ, қурмоқ. *Наврўз, Маржонбулоқ шаҳарлари тезкорлик билан барпо этилмоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Янги қишлоқ барпо қилиниб, атрофига чинорлар экилиб, қишлоққа Мингчинор номи берилган.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Барпо этиб бўстонлар, Топди қувонч, бахтини.* З. Диёр.

БАРРА [*ф.* برّه – қўзичоқ; оҳу боласи] **1** Янги туғилган қўзичоқ. *Барра гўшти.* ▬ *Бир барра қўзи бор эди, ота ҳозир шуни саранжом қилиб кирди.* Н. Фозилов, Қиссалар.

2 Янги туғилган қўзининг гўшти. *Барра кабоб.* ▬ *-Қани, баррадан олинг, ўғлим, – деди у илик узатиб.* А. Мираҳмедов, Қўйлар қўзилади.

3 Қўзичоқнинг жингалак жунли териси; қоракўл. *Барра пўстин. Барра ёқа.* ▬ *Усубалининг сербар телпак остидаги калласи барра пўстин ичига кириб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мунавварнинг ўрнига ёқасига кўк барра тутилган қишлик пальтодаги жувон жавоб берди.* С. Анорбоев, Меҳр.

4 *кўчма* Янги униб, ўсиб чиққан, ёш, майин; диркиллама. *Барра ўтлар. Барра пиёз. Барра беда. Барра барг. Барра бодринг.* ▬ *Гуллай бер, шафтолим, қантак ўригим, кўкариб ўса бер, барра ўт, майсам.* С. Акбарий, Меҳригиё. *Сув бўйида ям-яшил барра кўкатлар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сўнгра ҳовлида кўкариб турган барра пиёздан ҳам бир боғ юлиб чиқди-ю, уйга кириб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Акбарали барра мўйловини икки ёнга устма-уст силади.* Р. Раҳмонов, Довруғ.

БАРРЕЛЬ [*ингл.* barrel – бочка, бочкача] АҚШ, Буюк Британия ва б. бир қатор мамлакатларда: суюқликлар ва сочилувчан моддаларнинг 115 дан 164 литргача бўлган сиғим ва ҳажм ўлчов бирлиги.

БАРРИКАДА [*фр.* barricade – тўсиқ, ғов] Кўча жангларида, шунингдек, кўприк ва тоғ йўлларида дуч келган нарсалардан (хода, тош, дарахт, қум тўлдирилган қоп ва б.) фойдаланиб, ҳимоя, мудофаа мақсадида қурилган тўсиқ, ғов. *Баррикада жангларидан кейин чор охранкаси уни турмага ташлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БАРС *зоол.* **1** *айн.* **илвирс 1, йўлбарс 1**.

2 Мучал ҳисобида учинчи йил номи. *Барс йили.*

БАРТАРАФ [бар.. + тараф]: **бартараф бўлмоқ** 1) у ёки бу томонга ҳал бўлмоқ; бир ёқли бўлмоқ. *Тортишув бартараф бўлди;* 2) битмоқ, тугамоқ, йўқ бўлмоқ; сафдан чиқмоқ. *Уларнинг жанжаллари ҳеч ҳам бартараф бўлмади.* **Бартараф қилмоқ** 1) у ёки бу томонга ҳал қилмоқ, бир ёқли қилмоқ. *Сиз бир ҳафтанинг ичида ишни бартараф қилиб, судга чиқарасиз.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) битирмоқ, тугатмоқ; йўқ қилмоқ. *Капитан Аҳмаджонга, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, немис пулемётларини бартараф қилишни буюрди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

БАРТЕР [*ингл.* barter – товар айирбошлаш] *иқт.* Пул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айирбошлаш ва шу ҳақдаги шартнома. *Бартер битими. Бартер усули.*

БАРХАН(ЛАР) Саҳро ва чўлларда шамол таъсири (кучи) билан пайдо бўладиган кўчма қумтепалар. *Саҳролардаги дюналарнинг бир ёнбағри ётиқроқ.. иккинчиси тикроқ бўлади. Бундай тепаликлар барханлар деб аталади.* «География». *Рўпарадан кўринаётган қизил-сарғиш барханлар қотиб қолган океан тўлқинларини эслатади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БАРХИТ [*итал.* barrakan < *а.* براق – ялтироқ, ярқироқ; нур сочувчи; бир хил қора кийим] **1** *от* Духоба, бахмал. *Мошранг бархит.*

2 *сфт.* Бархитдан, бахмалдан тайёрланган. *Мунисхон қора бархит пальтосининг ёқасини бошигача кўтарган.. бировни кутган вазиятда турар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Пошшахола.. янги қора бархит камзулининг ички чўнтагига алланималарни шошиб-пишиб тиқди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БАРЧА *жамл. олм.* Мавжуд бўлган нарса, кимса ёки ҳодисаларнинг ҳаммаси; бекаму кўст; ҳамма. *Тўй – тегишлиники, ҳайит – барчаники.* Мақол. *Сахий топса – барча ер, бахил топса – босиб ер.* Мақол. ▬ *Дунёдаги кўриб ўта турган барча орзуимиз, ҳавасимиз фақат сенгагина қараб қолган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анвар ҳар ким учун севимли.. барчага баравар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БАРШ [*а.* برش – бангидевона; банг] Афюн, асал ва хушбўй дориворлардан тайёрланган наркотик модда. *Кўкалдош мадрасасида.. барш дейсанми, чакида дейсанми, қисқаси, кайф берадиган ҳар бир нарса десанг, бор.* С. Айний, Жаллодлар.

БАРШЧИНА [*р.* барщина – барингга текин ишлаб бериш] *эск. тар.* Ўрта асрларда Россияда крепостной деҳқонларнинг ўз меҳнат қуроллари билан помешчик фойдасига ҳақ олмай мажбурий суратда бажарадиган иши; феодализм давридаги ер рентасининг бир шакли. *Шарқ мамлакатларида баршчина кенг тарқалмаган.* «ЎзМЭ».

БАРЬЕР [*фр.* barriere – тўсиқ, ғов] *спрт.* **1** Югуриш ва от спортида ёки цирк номерларида: сакраб ўтиладиган тўсиқ.

2 Девор, тахта девор. *Ҳовлини барьер билан тўсмоқ.*

БАРҚ [*а.* برق – чақмоқ; ялтиллаш] *поэт.* Яшин, чақмоқ; ёлқин, аланга. *Воқеалар барқ суръати билан давом этди.* Ойбек, Навоий. *Севги барқу оташида ўртанишни ғам демам, Ошиқона бу дилим бебарқу оташ бўлмасин.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Барқ урмоқ 1) яркирамоқ, чақнамоқ, жилоланмоқ. *Кўнглида бир зум, бир зумгина барқ уриб ўтган бу нидо отига қамчи бостирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қуёшдек барқ уриб чиқса нигорим, Боқолмасман кетиб ақл, ихтиёрим.* Ҳабибий. *Ой туққандай, жамоллари барқ урар, Не гўзаллар унга бўлган харидор.* «Муродхон»; 2) аниқ намоён бўлмоқ, баралла сезилмоқ, кўринмоқ. *Суннатнинг хати ўзидай шўх, ҳар жумладан ҳазил-мутойиба барқ уриб турар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

БАРҚАРОР [бар.. + қарор] **1** Қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган; устувор. *Истиқлолимиз барқарор бўлсин.* ▬ *Бахтинг барқарор бўлсин.* Т. Тўла. *Муродхон элга, меҳнаткаш халққа бўлган бу ғамхўрликда изчил ва барқарор туради.* «Муродхон».

2 Ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас. *Барқарор валюта. Ҳосилнинг барқарор бўлиши учун курашайлик.* ▬ *Халқим, сенсан элларга Тўкин дастурхон тузган, Неъматинг ўзингга ҳам Барқарор бўлсин, дейман.* А. Орипов.

3 Бир ерда ўрнашиб қолган; муқим. *Муҳаррир икки йилдан бери шу вазифада барқарор эканига хурсанд.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Баҳор юзларингда барқарор.* «Гулдаста».

Кўнгил барқарор бўлди Кўнгил тинчиди, кўнгил таскин топди. *Муборак бошларига ҳумоюн қуши қўнди, кўнгиллари барқарор бўлди.* Ойбек, Навоий.

БАРҚАРОРЛИК Турғунлик, мустаҳкамлик, ўзгармаслик ҳолати. *Барқарорликка эришмоқ. Давлат сиёсатининг барқарорлиги.*

БАРҚУТ 1 *с.т. айн.* **бархит**. *Шундан сўнг дарвешни гилам, барқут болишлар ташланган меҳмонхонага олиб кирдилар.* У. Исмоилов, Сайланма. *Мўттихон кўз югуртирди. Ҳақиқатдан ҳам кўчада жуда кўп учрайдиган, этакдай чиммат тутиб, барқут паранжи ёпинган аёллар бунда йўқ эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 *кўчма* Барқутсимон; юмшоқ, майин. *Барқут осмон. Барқут уфқ. Барқут чеҳра. Барқут япроқ.* ▬ *Ёдимда, эрталаб турли товланган Шудрингли гулларнинг барқут чеҳраси.* Уйғун. *Ҳаволарга тўлиб, мен қарайман Барқут водийларга сузилиб.* Уйғун. *Фақат узоқлардан, ёқут уфқдан, Не ёқут, қип-қизил барқут уфқдан Мўралаб оҳиста қочарди қуёш.* Ғайратий.

БАРҲАВО [бар.. + ҳаво] *айн.* **баҳаво**.

БАРҲАЁТ [бар.. + ҳаёт] **1** Яшаб турган ҳолатда; ҳаракатда, тирик. *Ҳозир барҳаёт бўлган темурий шаҳзодалардан энг тадбиркори, энг қобили.. шубҳасиз, Ҳусайн Бойқародур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Баъзан олисда сузиб бораётган баҳайбат кемаларнинг беҳисоб чироқлари само юлдузларидек чарақлаб, зимистон денгиз барҳаёт эканидан далолат бериб туради.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 *кўчма* Мангу, абадий, доимо яшовчи. *Ҳаёт абадий, аммо у ёш авлод билан барҳаёт.* Р. Усмонов, Одобнома. *Барҳаёт Ойбек бу – қутлайди мамнун, Қутлар Ғафур Ғулом – донгдор замондош.* А. Орипов.

БАРҲАМ [*ф.* برهم – чигал, аралаш; пароканда]: **барҳам бермоқ** Йўқ қилмоқ, тугатмоқ; хароб қилмоқ; тўхтатмоқ. *Амир Темур сарбадорлар ҳаракатига барҳам бергандан кейин, бу ҳаракатга алоқадор одамлар ҳар томонга тарқаб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..ёвузликка барҳам бериш учун озмунча қурбонлар бермадикми биз!* Н. Сафаров, Оловли излар. *Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам, Иста, яхши кунда номим қилгил ёд.* А. Орипов. **Барҳам емоқ** (*ёки* **топмоқ)** Йўқ бўлмоқ; тугамоқ, тўхтамоқ. *Кўзларидаги аввалги ҳурковучлиги, тортинчоқлиги барҳам еган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Истар эди жафокаш инсон: ..Барҳам топса қуллик, кишан, ғам.* Уйғун.

БАРҲАҚ [бар.. + ҳақ(қ)] *эск. кт.* Ҳақиқатан ҳам мавжуд; ҳақиқий; адолатли. *Дини исломият барҳақ, масжидларимиз гавжум, бозорлар обод.* Х. Тўхтабоев, Қасоскорнинг олтин боши. *Зиёрат айлади насиб қилган халқ, Каримсан, самадсан, расулинг барҳақ.* «Маликаи айёр».

БАС I [*ф.* بس — етарли; кифоя] **1** *унд.* Бошқа керак эмас, шу билан етар; тўхтат. *-Бас! — қичқирди Мирзакаримбой,— манманлик — худо урганлик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бас энди, ётаберма. Сал меҳнатга ҳам қайиш.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

Бас қилмоқ Тўхтатмоқ, хотима бермоқ. *Нега қўшиқни бас қилдинг, яхши йигит?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Мастура опа.. уйда ўтиришни бас қилиб, савод мактабини битиради, болалар боғчасига мураббия тайёрловчи курсга киради, паранжини ташлайди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *крш с.* Демак, шундай экан. *Бас, биринчи буйруқни сиз олган экансиз, нега яна қушбегидан фотиҳа кутиб ўлтирибсиз?!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўлчи бир нафас тўхтаб.. давом этди: -Уруш бойларнинг ҳамёнини тўлдирадими? Бас, улар борсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАС II [*а.* بحث — муҳокама, мунозара, тортишув]*:* **бас боғлашмоқ** (*ёки* **ўйнамоқ)** Гаров боғлашмоқ, гаров ўйнамоқ. *Бас боғлашиб, эрта азонда далага чиқсангиз, ҳаммадан олдин Жипаройни кўрасиз.* «Қаҳрамоннома». *У чаққонликда мен билан бас боғлашгандай, баланддаги ингичка шохга тармашибди.* П. Қодиров, Қадрим. **Бас келмоқ** Баравар, тенг келмоқ, тенглашмоқ. -С*изга бас келиб бўладими! — деди Элмурод ва бошқа гапирмай, одимлай берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ким экан у, сенга бас келган йигит?* Ойбек, Танланган асарлар.

БАС III [*итал.* basso — паст] **1** *мус.* Эркакларнинг энг паст, йўғон овози ва шундай овозга эга ашулачи. *Баланд ёки куйчан бас ҳамда паст бас.. фарқ қилинади.* «ЎзМЭ».

2 Кўп овозли мусиқа асарларидаги энг пастки овоз, партия. *Хорда бас биринчи ва иккинчи овозларга бўлинади.* «ЎзМЭ».

БАСАВЛАТ [ба.. + савлат] Қиёфаси, кўриниши ҳавас уйғотадиган, улуғвор, савлатли. *Басавлат одам.* ▬ *Онам жуда басавлат аёл эди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул. *Вой бўйгинангдан-ей.. тушимми-ўнгимми, болагинам.. Бирам басавлат бўлиб, гунгурсдай бўлиб кетибсанки..* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БАСАЛОБАТ [ба.. + салобат] *кт. айн.* **салобатли**. *Басалобат одам. Басалобат нуроний чол.*

БАСИР [*а.* بصير — ўткир кўзли; ўта зийрак] *эск.* **1** Кўрувчи, кўзи ўткир, ўта сезгир. *Қилурни айла риоят демакта асра адаб, Ки дўст феълингу қавлунгғадур басиру самеъ.* Навоий, Хазойинул-маоний.

2 Кўриш қобилияти йўқ; кўр, сўқир. *Ҳатто умри бўйи қорни тўймаган қашшоқ ҳам, кўзи басир тиланчи ҳам, бир кун бўлса-да, кўпроқ яшасам, дейди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Пинҳон эди унга бор умр, чунки ҳаёт этмишди басир.* У. Носир, Юрак. *Ахир шунчалик басир эмас-ку, йўл бўйида турган одамни кўрмайдиган.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

3 *кўчма* Нарса, воқеанинг моҳиятини тушуна олмайдиган; онгсиз; билимсиз; жоҳил. *Тўғри-ку, лекин бу басир оломонни маърифатли қилиш учун жуда узоқ муддат керак бўлади.* К. Яшин, Ҳамза. -*Азбаройи ўшал кўзи очиқ, қалби басирларга қаҳрим туфайлидир. Аларнинг китоб кемирувчи сичқонлардан не фарқи бор? — деди Бобур.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

БАСИРАТ [*а.* بصيرت — ақл, онг; зийраклик] *кт.* Кўра олишлик; зийраклик. *Вале кимки бўлғай басират фани, Не мумкин адо айлай олмоқ ани.* Навоий, Садди Искандарий.

БАСИТ [*а.* بسيط — содда, оддий**]** *эск. кт.* Содда, мураккабмас; соддадил. [*Ҳусайн:*] *Соҳиби тадбир, доно Навоийнинг бугун басит ва саёз мулоҳазалар юритишининг боиси не бўлса экан*? Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

БАСКЕТБОЛ [*ингл.* basket — сават, тўр + balle — тўп] *спрт.* Икки команда аъзоларининг тўпни бир-бирига қўлма-қўл ошириб, муайян баландликдаги тахтага ўрнатилган тўрли ҳалқага тушириш ўйини. *Баскетбол майдони. Баскетбол ўйнамоқ. Баскетбол мусобақаси.*

БАСКЕТБОЛЧИ Баскетбол билан шуғулланувчи, баскетбол ўйновчи. *Янгиариқлик баскетболчи қизлар Ҳазораспга борди.* «Муштум».

БАСКИ [*ф.* بسکه] *эск. кт. айн.* **бас** I **2.**

БАСЛАШМОҚ *с.т.* Бас боғлашмоқ, гаров ўйнамоқ. *Тўқсон беш центнердан пахта беришга баслашибди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БАСМА-БАС 1 Бирор ишда, соҳада ким ўзди, ким ўзар мусобақаси. *Басма-басда ютган эр Йўлига гул сочайлик!* К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё.

2 *рвш.* Бас боғлашгандай, бир-биридан ўзишга ҳаракат қилгандай, қолишмай. *Мели полвон ва Юсвали отага ўхшаш баъзи бир активлар ўзларини тутолмай, улар [Олахўжа ва Турдивой халфа] билан басма-бас сўкишдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўртоғим билан бирга Кетмон чопдик басма-бас.* «Қўшиқлар».

3 Тўхтовсиз, қайта-қайта. *Боғлари қўзғар ҳавас, Булбул куйлар басма-бас.* С. Очил, Умидвор қушча. *Ўртоғини ҳайқириб басма-бас чақирди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

4 *кўчма с.т.* Муносиб, ярашиқ, мос. *Атлас кўйлак басма-бас, шойи кўйлак ранги паст.* «Оқ олма, қизил олма».

БАСМА-БАС(И)ГА *рвш.* Худди бас боғлашгандай, бир-биридан қолишмай, ким ўзарга. *Гўё.. табиат бастакорлари ким ўзар ўйнашарди. Басма-басга бири чўзиб хониш қилса, бошқаси шодлигини ичига сиғдиролмай, шўх-шўх куйларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қудам икковимиз, басма-басига орзу-ҳавас, деб болаларни қийнаб қўйдик.* «Муштум».

БАСМАБАСЛАШМОҚ Бас боғлашмоқ, баслашмоқ; ким ўзарга бирор иш, ҳаракат қилмоқ. *Басмабаслашиб сузишмоқ.*

БАСМАБАСЛИККА *айн.* **басма-бас(и)га**.

БАССЕЙН [*фр.* bassin – тоғора; ҳовуз] Катта сунъий сув ҳавзаси. *Спорт бассейни.* ▬ *Кўплаб ёшлар хоналари, бассейнлар, майдончалар барпо этилди.* Газетадан.

БАСТ [*ф.* بست – паноҳгоҳ; бирикма, тузилма; боғланиш] Гавданинг бутун борлиғича, яхлит кўриниши, қад, қомат. *Ўзига зап ярашган қомати, бўйи, басти.* С. Акбарий. *Ҳайитхон бастини ростлаб, атрофига қаради.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

2 *кўчма* Нарсанинг табиий кўриниши. *Қоялар бастига ҳайратда боқдим, Хаёл мавжларида чўққига оқдим.* Ж. Жабборов.

БАСТА [*ф.* بسته < بستن – «боғламоқ, маҳкамламоқ, уламоқ» фл. ўтг. зам. сфдш. шакли] *эск. кт.* Боғланган, боғлиқ.

БАСТАКОР [баста + *ф.* کار – иш, машғулот] Анъанавий мумтоз мусиқа асарлари ижодчиси; композитор. *Йиғилди бастакору соз ила созанда, хушхонлар.* Ҳабибий. *Бахт тенгдир шоиру бастакорга ҳам, Абдурайим деган пахтакорга ҳам.* А. Орипов.

БАСТАКОРЛИК Мумтоз, анъанавий мусиқа асарлари (куй ва ашулалар) яратиш машғулоти, касби; мусиқа ижодчилиги. *Бастакорлик санъати, айниқса, 15–16-асрларда оммавийлашган: қатор шоир, олим ва б. лар айни пайтда бастакор ҳам бўлган.* «ЎзМЭ».

БАСТАЛАМОҚ Мусиқий асарлар яратмоқ. *Эркин меҳнат қўшиқларин басталаб, яхшилаб чал, ҳордиқларим тўкайин.* Ғайратий.

БАСТАЛИК Тўсиқ, ғов; тўсқинлик.

Басталик келтирмоқ Ишнинг ривожига ғов бўлиб тушмоқ; ишни кейинга тортмоқ. *Унинг йиғлаганини билиб қолган домла: -Кўз ёшининг хосияти йўқ, касб-корга басталик келтиради.. – дейди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БАСТИОН [*фр.* bastion – мустаҳкам қўрғон] *кам қўлл.* Атрофи мустаҳкам девор билан ўралган, одатда беш бурчак шаклида қуриладиган, ҳар бир бурчагида ўқ отар нуқтаси бўладиган ҳарбий истеҳком. *Бастион биринчи марта Италияда 15-асрда пайдо бўлган.. ўз вақтида зўр ва ишончли истеҳком вазифасини ўтаган.* «ЎзМЭ».

БАТАЛЬОН [*фр.* battaillon – жангчилар бўлинмаси] Бир неча ротадан ва махсус бўлинмалардан иборат бўлган ҳарбий қисм. *Пулемётчилар батальони. Ўқчи батальон. Инженерлик батальони. Батальон комиссари.* ▬ *Батальон шу куни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шаҳарда қирувчи ва тикловчи батальонлар тузилди, халқ қасоскорлари отрядлари барпо этилди.* Газетадан.

БАТАМИЗ [ба.. + тамиз] Фаросатли, зеҳнли. *Кўшкида ўтирган қизлар. Баринг бирдай батамизлар.* «Равшан».

БАТАМОМ [ба.. + тамом] *рвш.* **1** Сира ҳам қолдирмасдан, тўла-тўкис, тўлиқ, тугал, қолдиқсиз,. *Ҳақимни батамом олдим.* ▬ *Ҳикоянинг деярли ярмини ташкил қиладиган охирги фасли батамом ўчирилган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Буткул, бутунлай, тамомила. *Муттасил портлашлар зарбидан Аҳмаджоннинг қулоғи батамом битган.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Янги туғилган боланинг ички аъзолари батамом ривожланиб етмаган бўлади.* «Саодат». *Кичикроқ водийнинг ҳар ер-ҳар еридан қуюқ тутун кўтарилмоқда – қишлоқ батамом ёниб битган.* А. Қаҳҳор,

Асарлар. *Қани энди, орамиздаги баъзи бир сизга ўхшаган жиғилдон касалига мубтало бўлганлардан батамом қутулсак.* Уйғун, Навбаҳор. *Батамом бузилган бу шаҳарчада бирон киши учрамади.* Газетадан.

БАТАНГ [ба.. + *ф.* تنگ – тор, тиғиз; энсиз]: **қулоқ(лар)ни батанг қилмоқ** (*ёки* **батангга келтирмоқ**) Қулоқни битирмоқ, қулоқни гаранг қилмоқ. *Денгизнинг бетиним шовқини билан басма-бас ўйнаган қушларнинг қийқириқлари қулоқни батанг қилади.* «Ишчилар». *Овқатфурушларнинг бақириқ-чақириқлари қулоқни батангга келтиради.* «Муштум».

БАТАРЕЯ [*фр.* batterie < battre – урмоқ] **1** Бир неча тўп, замбарак ёки миномёт билан қуролланган артиллерия бўлинмаси. *Миномётлар батареяси. Зенит батареяси. Батарея командири.* ▬ *Тепаликдаги батарея ўт очиши билан бир танк тутаб, кейин ёниб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир неча тўп, замбарак ёки миномёт жойлашган истеҳком. *Тепаликнинг чўққисида танкка қарши отадиган батарея палапартиш ўқ узар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Танкларимиз душманнинг олдинги окопларидан ўтиб, танкка қарши отадиган батареяни тўпга тута бошлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

3 *физ.* Ўзаро бириктирилган бир неча гальваник элемент, аккумулятор, конденсаторлардан иборат қурилма. *Аккумуляторлар батареяси. Чўнтак фонарининг батареяси.* ▬ *Батарея йўқ, батарея бўлса, радиолани ҳам ишга солардик.* И. Раҳим, Ихлос. *Чўлқуварлар батарея излаб, узоқ шаҳар ва район марказларига қатнамоқдалар.* Газетадан.

4 *тех.* Бир турдаги бир неча элемент бирикмасидан иборат бўлган қурилма. *Иситиш системасининг батареяси.* ▬ *Етти йил мобайнида.. энг катта домналар, кокс батареялари, прокат станлари.. қурилди.* Газетадан.

БАТАР [*ф.* بتر < بدتر сўзининг қисқарган шакли] *айн.* **баттар (бадтар).**

БАТАРИН [*ф.* بترین – баттарроқ] Шилқим, безбет, ўжар. *Айниқса, олакўз набираси жуда батарин. Йигитнинг елкасига эски тўнни ташлаб, миниб олади-да, энди тўрт оёқлаб чопасиз, дея талаб қилади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

БАТАРТИБ [ба.. + тартиб] **1** Муайян тартибга келтирилган, ўз ўрнида тартиб билан жойлашган; саранжом-саришта, тартибли. *Батартиб уй. Батартиб хўжалик. Батартиб кўчалар.*

2 *рвш.* Маълум тартибга амал қилган ҳолда, тартибли равишда. *Ўқувчилар синфларга батартиб кира бошлади.*

БАТАФСИЛ [ба.. + тафсил] *рвш.* Бутун тафсилоти билан, ҳеч қолдирмасдан, икир-чикиригача қолдирмасдан; борича. *Батафсил ўрганмоқ. Батафсил текширмоқ. Батафсил сўзламоқ. Батафсил баён қилмоқ. Батафсил тўхтамоқ. Батафсил тушунтирмоқ. Батафсил танишмоқ.* ▬ *У «Қўшчинор»га юбормоқчи бўлган одамнинг ким эканини айтиб, унинг тўғрисида батафсил сўзлаб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Аҳмад Ҳусайн бутун воқеани батафсил ҳикоя қилгандан кейин, ота оқариб, қалтираб кетди.* Ойбек, Нур қидириб.

БАТИСКАФ [*юн.* bathus – чуқур + skaphos – кема] Денгиз ва океанлар остида океанографик ва б. тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган ўзиюрар аппарат.

БАТИСТ [*фр.* Batiste < француз Batiste de Chambrai номидан] Пишитилган ингичка ипдан тўқилган юпқа, енгил газлама. *Батист рўмол. Батист кўйлак.* ▬ *Ҳурматой ипагидай Асл, нафис батистга Санъаткор қиз қўли-ла Ҳаёт ўзи босар гул.* Зулфия. *Совғада 200 граммча тамаки, битта ғалати батист рўмолча, кўк конвертга солинган икки элликкина хат.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БАТИСФЕРА [*юн.* bathus – чуқур + sphaira – шар] Сув остидаги кузатиш аппаратлари билан жиҳозланган шарсимон чуқур сув ости камераси.

БАТОМЕТР [*юн.* bathos – чуқурлик + metreo – ўлчайман] *гдрл.* Сувнинг кимёвий таркибини ва ҳароратини аниқлаш мақсадида денгиз, кўл, дарёларнинг турли чуқурликларидан намуна оладиган асбоб.

БАТОН [*фр.* baton – чўп, таёқ] Чўзинчоқ оқ булка нон.

БАТРАК [*р.* < *туркий*] *тар.* Помешчик ёки қулоқ хўжалигида ёлланиб ишлайдиган деҳқон. *Мен Кўқоннинг Қумқишлоғида бир батрак оиласида туғилганман.* Ойдин, Ҳикоялар.

БАТРАКЛАШМОҚ Ер-мулкидан айрилиб, батракнинг аҳволига тушиб қолмоқ.

БАТТАР [*ф.* بدتر – ёмонроқ; зиёда] *рвш.* **1** Аввалгидан, қиёс қилинаётганидан ортиқ, зиёда (хатти-ҳаракат). *Баттар бўлмоқ.*

Баттар қилмоқ. ▬ *[Йўлчининг] Бошида шу фикр учқунланди: «Мен чақирсам, баттар уялади, ерга киради, ҳам унинг кўзига қандай қарайман!»* Ойбек, Танланган асарлар. *Домла бозор қилишни, магазинга боришни жинидан баттар ёмон кўрар эди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

БАТТАРИН [*ф.* بدترین < بدتر сўзининг куч. шакли: жуда ҳам ёмон] Ўтакетган даражада ёмон, жуда ёмон. *Маждиддин Муҳаммад ким? Ундан баттаринроқ ҳам бор.* Ойбек, Навоий. *Билмаган киши: «Бу баттарин раис экан», деб ҳайиқади ҳам.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *..саркор кўриб қолса, яна хўжайинга чақиб юбормасин, кўп баттарин одам, – деди Замон Дилшодга.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БАТТАРЛАШМОҚ Аввалгидан ҳам ёмонлашмоқ, оғирлашмоқ, зўраймоқ. *Унинг касали аввалгидан ҳам баттарлашди.*

БАТТОЛ [*а.* بطّال – бекорчи, ишсиз; ёмон] **1** Ўтакетган ёвуз, бераҳм, ваҳший. *-Беномус баттоллар! — деган ғазабнок товушлар эшитилди. Отлиқлар қиличларини яланғочлаб, қий-чув кўтарган аёлларни чопа бошладилар.* М. Осим, Ўтрор. *Бўридан ҳам ёмон.. Одамнинг бўриси, баттол.* Газетадан.

2 Ўтакетган разил, ярамас. *Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомид экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ўзиникини тўғри деб туриб оладиган; тўғри йўл-йўриққа юрмайдиган, ўтакетган ўжар, қайсар. *Бугун дарвозада жуда баттол сарбоз турибди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *..ўжар бўлганда ҳам бориб тургансан. Бекорга «баттол» деб лақаб қўйишган эмас.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

4 *кўчма* Хосиятсиз; шиддатли. *Намозгардан бошлаб ёмғир чунонам қуйишга турдики, Жаҳон ота: -Бунақа баттол ёғинни умримда камдан-кам кўрганман, – деди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

БАТТОЛЛИК Ёвузлик, ваҳшийлик. *Неча беадаб, неча баттоллик этди, Қилични бўйнига солиб шул бадбахт.* «Юсуф ва Аҳмад».

БАФАРМОН [*ф.* بفرمان – фармон бўйича, фармон билан]: **бафармони худо** Худонинг хоҳиши, иродаси билан. *Бора-бора, бафармони худо, тортишув шундай қизиб кетибдики..* Ойбек, Навоий.

БАФУРЖА [ба.. + *ф.* فرجام – охир, интиҳо, тугаллаш] **1** *рвш.* Хотиржамлик билан, хотиржам ҳолда; шошмасдан, бамайлихотир, бемалол. *[Қосимжон:] Ҳозир идорага бориб келаман, кейин бафуржа гаплашамиз.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар. *Бугун дам олиш куни бўлгани учун Элмурод бафуржа турди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *-Чойни ўзингиз бафуржа ичаверинг, – деди у..* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Кейинчалик, қулай пайтда; кечроқ. *-Юринг, [фермани] кўрсатаман, – деб қистади Татьяна. Кампир бафуржа келишга ваъда берди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *-Кўзғалманглар, – деди бизга самоварчи, – ҳали аравакаш бу ерда дам олиб, бафуржа жўнайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БАХАБАР [ба.. + хабар] *айн.* **бохабар.**

БАХАЁЛ [ба.. + хаёл] *айн.* **бахаёл(га).**

БАХАЁЛ(ГА) *рвш* Савдода мўлжалга тўғри келмаса ёки ёқмаса қайтиб бериш ёхуд қайтиб олиш. *Бахаёлга олмоқ. Бахаёлга сотмоқ.* ▬ *Аранг отанг яхши, онанг яхши билан бир сўлкавойга бахаёл иторибман.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БАХАЙР [ба.. + хайр] **1** Хайрли, эзгули; яхшиликка олиб борадиган, охири яхшилик билан тугайдиган. *Худо охири бахайр қилсин энди!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Киши бир касбга ёшликдан меҳр қўйса, охири бахайр бўлади.* «Ишчилар». *Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Кўнглим бир нарсадан ғаш, дадаси!* О. Ёқубов, Пьесалар.

2 Касал ёки бирор бахтсизликка учраган кишини кўрганда, ундан кўнгил сўраш учун қўлланадиган сўз. *Бахайр? Не бўлди, тақсир!* Ойбек, Навоий.

БАХИЛ [*а.* بخیل – хасис, зиқна, қурумсоқ] **1** Бировга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган; сарф-харажатни ёқтирмайдиган; хасис, қизғанчиқ. *Сахий топса – барча ер, бахил топса – босиб ер.* Мақол. *Бахил эҳсондан қочар, хасис – меҳмондан.* Мақол. ▬ *Ҳимматику эрта кунда йўқ, яна ўзи ҳам ўлгундек бахил, нияти қалб йигит.* «Муштум».

2 Ўзгани кўра олмайдиган, ичи қора, ҳасадчи, рашкчи. *Бахилнинг боғи кўкармас.* Мақол.

БАХИЛЛИК 1 Бирон шахснинг ўсишини, даражаси, обрў-эътибори ошишини, ютуғи, истеъдоди ва б. ни ич-ичидан кўролмасликдан иборат ахлоқ тушунчаси.

2 Умуман, бировни кўра олмаслик; ҳасад. *Носир мулланинг донғини чиқарган Абди мулла ошнасининг мол-дунёга ботаётганини кўриб, зимдан бахиллиги келди.* «Муштум». *Тўрахон Зебининг қаршилиги аста-секин синиб бораётганини ичи қоралик ва бахиллик билан кузатиб турарди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

БАХМАЛ [*ф.* مخمل – тукли; духоба, бархит] *от, сфт.* **1** *айн.* **духоба.** *Қизил бахмал. Чий бахмал. Бахмал дўппи. Бахмал тўн.* ▬ *Бахмал пўстин киясан, алла-ё, алла, Зўр паҳлавон бўласан, алла-ё, алла.* «Қўшиқлар». *Улар бахмал кўрпа ёпилган иссиқ сандалнинг икки четида ўтириб, кечки таомни бирга емоқда эдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Дала ва тоғларни қоплаган майин майсалар ёки қалин ўт-ўланлар. *Бахмал далалар. Бахмал қирлар. Бахмал қирғоқлар.* ▬ *Қандай гўзал бахмал қир, Ям-яшил денгиз гўё.* А. Пўлат, Тасаддуқ. *Жилвага бурканди кумуш қирғоқлар, Бағрига тортарди бахмал ўтлоқлар.* Ғайратий. *Сокин тунда тўлган кумуш ой, Бошин қўйиб бахмал қирғоққа.* Ғайратий. *Бахмал соҳилингга кўз тикиб қолдим, Асрлар сирдоши, эй улуғ дарё.* Ғайратий.

3 *кўчма* Қуюқ қоронғулик. *Кумуш тонгни, бахмал кечани далада қаршилаб..* Газетадан. *Тонг олди тинч. Ёқимсиз туннинг қора бахмали.* А. Мухтор, Асарлар.

4 *кўчма* Майин, ёқимли. *Буниси кўп соз, У бахмал овоз Сақланган экан Улуғ ҳофиздан.* М. Шайхзода.

БАХМАЛПЎШ [бахмал + *ф.* پوش < پوشیدن – «киймоқ; ёпмоқ, қопламоқ» фл. ҳоз. зам. ўзаги] *кўчма поэт. кам қўлл.* Майсалар, ўт-ўлан билан қопланган. *Кўзларингни яшнатади бахмалпўш дара..* Х. Салоҳ, Қорабоғ.

БАХТ [*ф.* بخت – тақдир; насиба, улуш] **1** *ижт.* Кишининг ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиши, яшаш тарзидан мамнунлиги, муайян мақсадга етгани, орзу-умидининг ушалиши сифатида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий тушунча.

2 Ҳаёт (турмуш)дан тўла мамнунлик ва беармонлик ҳолати; саодат, кут. *Меҳнат – бахт келтирар.* Мақол. ▬ *Она-ер нафасига, меҳрига, инъомларига тўйиб яшашдан ортиқ бахт борми?* «Саодат».

Бахти кулмоқ (*ёки* **очилмоқ**) Бахтиёр ҳаётга, хушнуд онларга эришмоқ; бахтли, бахтиёр бўлмоқ. *Ажаб эмас, бахти очилиб, Гулнор ҳам яхши, обрўли жойларга келин бўлса.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қисқаси, боладан бахтим очилмади, дўстим.* Т. Ашуров, Оқ от. **Бахтинг очилсин** *ёки* **бахтингни берсин** Ёшларга муҳаббат ва ширин оилавий турмуш тилаш шакли. *Илоё, бахтингни берсин, яхши қайлиққа учраб, бу кунларинг унут бўлсин, болам!* Ойдин, Чақалоққа чакмонча. **Бахти қора (***ёки* **қаро)** Турмушдан ёлчимаган; бахтсиз. [*Холисхон*:] *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

3 Омад, толе; иқбол. *Уф, нима иш қилсам, кетга қараб кетади, холос, менинг бахтим қурсин.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси. *-Ана шу қизлар сафида менга ҳам жой бордир, – деб ўйлади Адолат. – Бахтимни бир синаб кўрай-чи?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳамма гап пешонада, тақсир.. Пешона шўр бўлгандан кейин, унда бахт гули унадими!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Бахт қуши (бахти ҳумоюн) бошига қўнди Бахти, омади келди, иши юришди. *Нега бошингга қўнган бахт қушини калтак олиб қувлайсан?* С. Аҳмад, Уфқ. *..бошимизга қўнган бу бахти ҳумоюнни учириб юбормаслик учун ҳали анча ҳаракат қилишимиз керак.* К. Яшин, Ҳамза. **Бахтга (бахтимга, бахтимизга, бахтига** ва ҳ.) *крш.с.* Содир бўлган ёки бўладиган иш, ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг кўнгилдагидек эканлигини ифодалаш учун ишлатилади. *Бахтимизга, замон ўзгариб, бундай яхши кунларга етдик.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўлманг.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бахтга қарши** *крш с.* Юз берган, содир бўлган иш, ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг кўнгилдагидек эмаслигини ифодалаш учун ишлатилади. *Мариянинг бахтига қарши, амаки сил касаллигига учраб, ишдан қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бахтдан кўрдим (бахтимдан кўраман)** Таваккал, нима бўлса бўлар. **Бахти боғланмоқ** *ёки* **бахтига куя тушмоқ** Оилавий омадсизлик; фарзандсизлик. *Сиз туғмас эмассиз, бахтингиз боғланган..* К. Яшин, Ҳамза. *Сен унинг борлигин унутма сира, Унутсанг бахтингга куя тушади.* Шуҳрат, Ёшлигимнинг давоми. **Бахти кулмоқ** (*ёки* **чопмоқ**).

Омади юришмоқ, бахтга эришмоқ. *Эл боқса, бахтинг кулар, Эл боқмаса, тахтинг қулар.* Мақол. ▬ *Бир сўз айтай, сенга малол келмасин, Бахтинг чопсин, зафаринг ҳеч қайтмасин.* «Маликаи айёр». **Бахти очилмоқ** Бахтли, бахтиёр бўлмоқ; турмушга чиқмоқ, оилали бўлмоқ. *Қизининг бахти очилмаётганидан куйган она бошини тиззаларига қўйиб, ҳасрат билан юм-юм йиғлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БАХТАШ [*ф.* بختش – унинг бахти]: **бахташ таваккал** Омадини, толеини синаб кўриш, таваккал қилишда қўлланадиган ибора. *Бундай улоқни ердан олишнинг бир йўли бор.. Бахташ таваккал.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *-Ҳа, бўлди. Хўш, бахташ таваккал қилиб кўрайлик бўлмаса, – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БАХТИЁР [*ф.* بختيار – бахт ёр бўлган, бахтли] **1** Ўз ҳаёти, толеидан мамнун, бахти кулган; бахтли, саодатманд. *Бахтиёр ўзбек халқи. Бахтиёр оила.* ▬ *Бахмал қирғоқларни тўлдириб оқди Бахтиёр элимнинг қувончли саси.* Ғайратий. *Ойқиз иссиқ юзини севимли эрининг кўксига қўйиб, қалби қувонч билан тўлиб-тошарди ва ўзини чиндан ҳам бахтиёр ҳис қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Хурсанд эди беҳад икки ёр, Хурсанд эди икки бахтиёр.* Ҳ. Олимжон.

2 Ширин, беармон. *Бахтиёр ҳаёт.* ▬ *У кунлар Назирқул учун энг бахтиёр кунлар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Зокир унинг Наримон билан ўтказган бахтиёр дамларини унутолмаётганини сезганда, жуда рашки келар ва жеркиб гапирарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Мамнун, шодон. *Қайғуси йўқ бирор кунни кўрмадим, Бирор соат мен бахтиёр бўлмадим.* Ҳ. Олимжон. *Матқовул бахтиёр эди. Бугун қозон осиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аъзамжон бахтиёр, ўз хотинининг ҳуснидан маст эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

БАХТИЁРИ(Й) *бот.* Хўраки ва винобоп жайдари узум нави. *Бахтиёрий.. қурғоқчиликка анча чидамли, шунинг учун лалмикор ерларда яхши ўсади.* «ЎзМЭ».

БАХТИЁРИЙЛАР *этн.* Эроннинг жануби ва жануби-ғарбида яшайдиган кўчманчи ёки ярим кўчманчи қабилалар.

БАХТИЁРЛИК Ўз ҳаётидан мамнунлик, хушбахтлик, саодатмандлик; саодатли, ширин ҳаёт. *Оилавий бахтиёрлик.* ▬ *Икковининг гул-гул яшнаган юзларидан бахтиёрлик нури ёғилиб турар, кўзларида эҳтирос чақмоқ чақар, улардан гўё баҳор гулларининг нафис ҳиди анқирди..* С. Анорбоев, Оқсой. *Чеҳрасида ошкор бахтиёрлик бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

БАХТ-ИҚБОЛ, бахту иқбол [бахт + иқбол] Саодатли ҳаёт ва бахтли келажак. *Мавлон ака Ўтап хонадонига бахт-иқбол, юртга тинчлик тилаб, дуо қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мана энди тонг отиб, бахт-иқбол кулиб боқди.* «Қўшиқлар».

БАХТИҚАРО Бахтсиз, иқболсиз; турмушдан ёлчимаган. *Қайноғам рост айтган экан. Бахтиқаро қилади, деганди-я!* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Эси-ку, жойида, унда балонинг эси бор. Лекин у [қиз] бахтиқаро бўлиб туғилган.* «Ёшлик».

БАХТЛИ 1 Ўз ҳаётидан мамнун, бахти кулган; бахтиёр. *Бахтли қиз.* ▬ *Бундай бахтли ёшлик бир марта келадир. Завқини суриб қолинг, айланай.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Илоҳим, бахтли бўл! Онангга, отангга раҳмат, сенга иш ўргатишибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **бахтиёр 2**. *-Ҳа, майли, – деди хўрсиниб* [*Қирмизхон*], *– Сиз билан ўтказган онларимни шу нотавон умримнинг энг бахтли дамлари деб биламан.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *У бу уйда энг ширин, бахтли кунларини ўтказди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

3 Толеи баланд, омади бор, омадли. *Бахтли овчига чўлоқ кийик йўлиқар.* Мақол. ▬ *Айланай, куёв бола, бахтли йигит экансиз, шундай одамларга ўғил бўлибсиз.* «Муштум».

БАХТНОМА [бахт + нома] *кам қўлл.* Бахтиёр ҳаётни, улуғ истиқболни мадҳ этувчи асар, ёдгорлик ва ш. к. *Абдулла Орипов шеърияти ўзбек халқининг бахтномасидир.*

БАХТ-САОДАТ, бахту саодат [бахт + саодат] Бахт ва иқбол. *Зебонинг шўх қараши, туриши, қувноқ кулгиси, табассуми Элмуродни ҳали маълум бўлмаган севинч тўла, бахт-саодат тўла бир оламга имлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *..миллатни бахт-саодат соҳилига олиб чиқиш учун бирдан-бир йўл маърифат йўлидир.* К. Яшин, Ҳамза.

БАХТСИЗ 1 Бахтга эришмаган, бахти кулмаган, бахти қора. *Она боласининг бахтини кўролмай, бахтсиз бўлгани учун.. йиғлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Лоақал*

бу бахтсиз синглингиз учун биргина бош оғритсангиз-чи. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бироқ Анвар ўқишда қанча бахтли бўлса, пешонада ўшанча бахтсиз эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ҳаёти кулфат, дард-алам билан тўлиб-тошган, турмуш лаззатидан бебаҳра, рўшнолик кўрмаган. *Болам, шу муштипар, шу бахтсиз онангнинг ярасига туз сепмасанг, юрак-бағрини қон қилмасанг, даданг келтирган хабарни айтаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор-бир кўнгилсиз ҳодисага учраган; бечора. *..Муҳаммаджон сингари болалар, Абдуазиз ота сингари чоллар, кампирлар, ўлим тўшагида ётган беморлар, бахтсиз майиблар.. оз бўлганмикан?* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Нима, буни машина майиб қилибдимики, бахтсиз ҳодиса деса..* К. Яшин, Ҳамза. *Илҳомжон ўз одатига кўра, яна бахтсиз ҳодисалар, ўлим-йитим ҳақида гапира бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БАХТСИЗЛИК 1 Бахти кулмаганлик, бахтга эришмаганлик; омадсизлик. *Бахт билан бахтсизлик етаклашиб юраркан-да доим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Анварнинг бу ҳолати балки оила бахтсизлигидан, ота-она бағрида яйрамаганлигидан туғилгандир десак, унинг икки оғаси бундай эмас эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Севувчилар васл оқшомида бахт шаробини ичишса, булар бахтсизлик оғусини ичмоқда эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У бўйбасти чўзилиб, турмуш қурди-ю, бошига бахтсизлик ёғилди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Кўнгилсиз, нохуш ҳолат ва унинг сабабчиси бўлган воқеа, ҳодиса. -*Хон зўр бахтсизликка учраган, — деди чўпон.* «Чалпак ёққан кун». *Адолат ҳам кейинги воқеалар қандайдир катта бахтсизликдан хабар бераётганини тушуниб, бўшашиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БАХШ [*ф.* بخش < بخشیدن — «бермоқ, бағишламоқ; афв этмоқ» фл. ҳоз. зам. ўзаги]: **бахш этмоқ** (*ёки* **айламоқ**). **1** Йўқ нарсага муяссар қилмоқ, йўқ нарса билан таъминламоқ; ато қилмоқ; бағишламоқ. *Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улуғворлик бахш этиб, бир текис гувуллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дўстим, жонни бахш этайлик Фақат она-Ватанга.* А. Орипов.

2 Бермоқ, пайдо қилмоқ. *Қачонки Тангри бирор подшоҳга яхшиликни хоҳласа, унга содиқ вазир бахш этади.* «Фан ва турмуш».

БАХШАНДА [*ф.* بخشنده — берувчи, бағишловчи; афв этувчи] *поэт.* Бахш этувчи, бағишловчи; очиқ қўл. *Кетур соқий, ул майки рахшандадур, Анинг нашъаси файз бахшандадур.* А. Навоий, Садди Искандарий.

БАХШИ [*санск.* бҳикшу — будда руҳонийси, донишманди; дуохон; дарвеш] **1** Халқ қўшиқлари ва достонларини ёддан куйловчи шоир, оқин. *Ўзбек халқ бахшилари. Бахшилар репертуари. Тўйда сўз бер бахшига, Харидор бўл яхшига!* Мақол. *Дуторсиз бахши бўлмас, Ёмонсиз — яхши.* Мақол. ▬ *Достон ва терма бахшиларнинг репертуарида ёнма-ён яшаб келади.* «ЎТА».

2 *этн.* Ирим-сиримлар қилиб, дуолар ўқиб, дам солиб даволовчи табиб. *Жинга ишонган бахшини тинглагунча, Чинга ишонган яхшини тингла.* Мақол. ▬ *Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб, толнинг хипчини билан савалади.* А. Қаҳҳор, Бемор. *Бахши, кушноч, азайимхонларни йиғиб, ўқитибчўқитди, у ҳам бўлмади, дарди зўрайиб кетди.* «Баҳром ва Гуландом».

3 *эск. тар.* Бухоро хонлигида қурилиш учун белгиланган маблағларнинг ҳисоб-китобини назорат қилувчи лавозимли киши. *Бухоро хонлигида маъмурий бинолар қуришда маблағ ҳисобини олиб борувчи кишиларни, туркманларда уруғ оқсоқолларини бахши деб аташган.* «ЎзМЭ».

БАХШИДА [*ф.* بخشیده — бағишланган, ато этилган]**: бахшида қилмоқ** (*ёки* **айламоқ**). Бағишламоқ, ато қилмоқ, ҳадя қилмоқ. *Умр, вақт.. одамларга бахшида этилган жамики яхшилик, бахт-саодат йўлида тўкилган тер, тортилган азият билан ҳам ўлчанади.* «Гулистон». *Тирик мавжудотга қуёш ҳаёт бахшида этганидек, аёл — инсониятга жон ато этган, зеро аёл инсоннинг онаси.* Газетадан. *Меҳмонлар ҳам фотиҳани ёши ўзларидан улуғроқларга бахшида этишди.* «Ёшлик».

БАХШИШ [*ф.* بخشیش — туҳфа, ҳадя, инъом] Садақа, эҳсон, мурувват. -*Сарроф тўнини ҳеч қачон сўрамас, қайтага, ҳайдалганимни билиб, яширинча икки сўлкавой бахшиш берган эди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *[Қушбеги] Кумушбибига юзини ўгирди: -Қизим, сизнинг бунчалик*

заковат ва жасоратингизга отангиз билан эрингиз ҳар қанча ташаккур айтсалар ва ўзларининг мунтазам сўнгги умрларини сизнинг бахшишингиз деб билсалар арзир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар ўтганда қараб, қўл чўзади чол, «Бахшиш» ташлаб ўтдим суяк кафтига.* Уйғун.

БАХЯ [*ф.* بخيه – чок] Кийим-кечакнинг тўғри чок билан бостирилган қирғоғи (чети, зиҳи) ва шундай чокнинг ўзи. *Олтинларни абонинг ёқа бахясига орасига тикиб яширганман.* «Муштум».

Бир бахя Озгина, бир оз, кичкина. *Бир бахя ҳам сувли ерлар бўш қолмасин.* Ғ. Ғулом, Кўкан батрак. *Шундай ёшларимизнинг ишини эшитганда, кишининг кўнгли яна бир бахя кўтарилиб, кўнглинг қувончга тўлади.* И. Ўктамов, Ҳикоялар. **Бир бахя ўтади** Ошиб тушади, ўзади. *Маҳмадоналикда сен ундан бир бахя ўтасан.* **Бир бахя қолди** Сал қолди, оз қолди. *Ўлишимга бир бахя қолди.* Ҳамза, Танланган асарлар. [*Маҳкам*:] *Оёғим узилиб, жағим осилиб тушишига бир бахя қолди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

БАХЯДЎЗ [*ф.* بخيه‌دوز] Бахя тикувчи.

БАХЯЛАМОҚ Тўғри чок билан бичиқ четини бостирмоқ.

БАЦИЛЛАЛАР [*лот.* bacillum – таёқча] Таёқча шаклидаги бактериялар. *Сил бацилласи. Бацилла ташувчилар.*

БАЧА || БАЧЧА [*ф.* بچه – одам боласи; ҳайвон насли] *шв.* Бола. *Бачага иш буюр, Изидан ўзинг югур.* Мақол. ▬ *Менинг бачам, ёшгинам, алла-ё, алла, Ёнимда йўлдошгинам, алла-ё, алла.* «Қўшиқлар». *Э, савдогар бача, мени сенлама! Мен пайғамбар ёшидаги одамман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БАЧАДОН [*ф.* بچه‌دان – боланинг жойи] *анат.* **1** Аёллар таносил аъзосининг ҳомила ўсиб етиладиган ички қисми. *Бачадон.. қовуқ билан тўғри ичак орасида жойлашган, шакли тўнтарилган нокка ўхшайди.* «ЎзМЭ».

2 Урғочи ҳайвонларнинг айни шундай ички жинсий аъзоси.

БАЧАЖИШ *с. т.* **1** Янги туғилган бола; чақалоқ.

2 Қушнинг янги тухумдан чиққан, ҳали пати чиқмаган боласи.

3 *кўчма салб.* Ёш бола, гўдак; сўтак.

БАЧАЛИК *шв. фольк.* Ёшлик, болалик; тажрибасизлик. *Ҳали ўзи ёш, Андак бачалик қилди.* «Ҳасанхон». *Бачаликдан қайтармадим райингни..* «Нурали».

БАЧКАНА [*ф.* بَچّگانه – болаларча, болаларга хос] **1** *эск.* Болалар учун мўлжалланган (уст-бош, оёқ кийим ҳақида). *Бачкана махси.* ▬ *Ҳайитга нарса олишга улгуролмаганлар чин арафа кечаси типирчилаб қолар.. каттаю кичигининг фарқига бормай.. «мардона», «заифона», «бачкана» кийимларни сотиб олар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *кўчма* Ёш болаларга хос бўлган, катталарга, катта ёшдаги кишиларга ярашмаган, келишмайдиган. *Бачкана қилиқлар. Бачкана одам.* ▬ *Ҳабиба укасининг бачкана қилиқларига ғаши келсаям, индамай қўйиб берди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *У ўзига ярашмайдиган бачкана ҳаракатлар қилар эди.* «Муштум». *-Хи-хи-хи, – бачкана кулди чол.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Болаларча мулоҳаза юритилган; қисқа ўйланган; юзаки, хом. *Бачкана асар.* ▬ *Жиноятчиларнинг кўпи.. бачкана масалалар устида шикоят қиладилар.* Газетадан. *У ҳозирги бир неча шоирларнинг эски шаклда, бачкана мазмунли шеърларидан мисоллар кўрсатиб, мажлисни кулдирди.* Ойбек, Нур қидириб.

4 Ярашмайдиган, мос келмайдиган; сохта. *-Тавба. Бувниса,* [*паранжи*] *бачкана кўринар экан-а? – деди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..ўзлари ўралашиб қолган бачкана ҳиссиёт ва кечирмаларини юксак граждданлик пафосига қарама-қарши қўйдилар.* Газетадан.

БАЧКАНАБОЗ [бачкана + *ф.* باز – ясама сўзларнинг «ўйновчи, ишқибоз» маъноларидаги иккинчи қисми] Бачкана қилиқ, хатти-ҳаракатни яхши кўрадиган, майдакаш. *Бачканабоз одам.*

БАЧКАНАБОЗЛИК Ёши улуғларга номуносиб, ярашмаган, бачкана хатти-ҳаракатлар қилишлик; майдакашлик. *Агротехника тадбирларини ўтказишда.. бачканабозликни йўқотишимиз керак.* Газетадан.

БАЧКАНАГАРЧИЛИК *айн.* **бачканалик 2.** *Бачканагарчилик ҳам эви билан-да!* «Муштум».

БАЧКАНАДЎЗ [бачкана + *ф.* دوز – ясама сўзларнинг «тикувчи; тикилган» маъноларидаги иккинчи қисми] Болалар кийим-кечагини тикувчи. *Бачканадўз уста.* ▬

[*Унсин*] *Бачкана маҳсиларни (Шокир ота бачканадўз эди) силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнг қора гул суркаб, уларга пардоз беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАЧКАНАЛАРЧА *рвш.* Худди ёш болалардек, ёши катталарга номуносиб бўлган, енгилтаклик билан. *Бачканаларча мулоҳаза юритиш. Бачканаларча хатти-ҳаракат.*

БАЧКАНАЛАШМОҚ 1 Катталарга, ёши улуғ кишиларга номуносиб бўлган хатти-ҳаракатлар қилмоқ. [*Раис*:] *Нима қиласиз бачканалашиб? Эркак одамга ярашмайди бундай ожизлик.* Ф. Мусажонов, Чиқинди. *Бачканалашиб кетманглар. Майда-чуйда гаплар билан ўралашиб қолманглар.* Уйғун, Асарлар. [*Ўктам*:] *Жуда бачканалашиб кетибсиз, хотин!* С. Зуннунова, Кўзлар.

2 *кўчма* Сийқалашмоқ, саёзлашмоқ, суюқлашмоқ. *Аския бачканалашди.* ▬ *Айрим ёзувчилар ижодида мавзунинг майдалашиб, бачканалашиб кетиши.. каби ҳодисалар ҳам кўринмоқда.* «ЎТА».

БАЧКАНАЛАШТИРМОҚ Бачканалашмоқ 2 фл. орт. н. *Сиз.. фанимизни бачканалаштириб юборманг.* «Муштум». *Фозилга қолса ҳамма нарсани бачканалаштиради.* А. Мухтор, Асарлар.

БАЧКАНАЛИК Бачкана хатти-ҳаракатларга одатланганлик, енгилтаклик. *Юлдузхон бачканалик, ҳуда-беҳудага тишининг оқини кўрсатишни ёқтирмайди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..жанобларини яхши биламан, у киши сипо одам. У кишида бачканалик бўлмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БАЧКИ [*ф.* بَچِگی – болалик; бачканалик] **1** Ўсимлик танасининг, поясининг остидан, ён-веридан ўсиб чиққан майда шохчалар, ниҳоллар. *Дарахт танасининг остида қўшимча бачкилар ўсиб чиқиб, улар дарахтни толиқтириб қўяди.* «Шарқ юлдузи». *Кимнингдир заиф қўллари билан тол чивиққа чала кўтарилган зангларда ондасонда чарослар қорайиб кўринарди-ю, токларни бачки новда босиб, ғовлаб ётарди.* А. Мухтор, Чинор.

Бачки барг Ўсимлик танасининг тагидан чиққан барг. *Деҳқонлар шоналайдиган баргни – чин барг, шоналамайдиганини эса бачки барг деб атайди.*

2 Кўклигида ўриб олишга мўлжаллаб экилган маккажўхори. *Бачки экмоқ. Бачки ўрмоқ.* ▬ *Бачки маккапоялар пишиб етилганига қарамай ўрилмаётир.* Газетадан. *Шу кунларда ўрилган майдонларда маккажўхори тагпояси тез кўкариб, сал кунда бачкиси силосбоп бўлади.* Газетадан.

3 *с. т. эск.* Болалар пойабзали. *Ўғлим, беш бачкини пуллаб, ип, мум, сирач, лок оламиз, хўпми?!* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Майда, арзимайдиган, иккинчи даражали, кераксиз. *Адабиёт боғимизда чилпиб ташлайдиган бачки новдалар кўпайиб қолди.* Газетадан. *Биз.. бачки мавзуларга қарши.. кураш олиб боришимиз лозим.* Газетадан. *..мен ўн йилдан бери, аллақандай бачки сабаблар билан бир-биридан аразлашиб гаплашмай келган икки қўшнини танир эдим.* Газетадан.

БАЧКИЛАМОҚ 1 Бачки чиқармоқ (*қ.* **бачки 1**). *Уйидаги токлар бачкилаб қолган эди.* «Шарқ юлдузи».

2 Кўкпоя чиқармоқ (жўхори ҳақида). *Оқжўхори пояси ўриб олингач, тагидан яна бачкилаб чиқади ва иккинчи марта кўкпоя олиш мумкин бўлади.* Газетадан.

БАЧЧА [*ф.* بچه – одам боласи; ҳайвон насли] **1** *шв.* Бола. *Дуойи салом ўша баччаларнинг онасига, умид билан бир ёстиққа бош қўйиб, кеча-кундуз дуойи жонимда бўлганга!* Ойдин, Ширин келди.

2 *этн.* Бировнинг (акаваччасининг) қарамоғида ва ихтиёрида бўлган хушрўй, келишган ўйинчи ўғил бола; бесоқол. *Ўша бачча ҳам одам фарзанди. Ота-онаси камбағалликдан уни баччаликка сотгандир.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Умуман ўйинчи бола, раққос. *Ноғорачининг баччаси.* ▬ *Ўртада ўн олти-ўн етти яшар бачча ўйнайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ноғора чўпининг тез урилиши, баччанинг бир айланиши ва кучли, ялпи қийқириқ билан базмнинг биринчи қисми тугади.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАЧЧАБОЗ [*ф.* بچه‌باز – бачча ўйновчи, бачча ишқибози] *этн.* Бачча сақловчи шахс; болабоз, бесоқолбоз. *Боз-боз, дорбоз, найрангбоз, баччабоз, қиморбоз, беданабоз, каптарбоз каби бозларни ман қилсангиз, менга иш топиб бер дейдиган кўпаяди-қолади.* «Луқмони Ҳаким».

БАЧЧАБОЗЛИК Бачча асраш билан шуғулланишлик; болабозлик. *Ўғирлик, қиморбозлик, кўкнорихўрлик, баччабозлик, безорилик каби разилликлар машъум ўт-*

мишнинг жиркaнч томонлари эди. М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

БАЧЧАЛИК 1 *шв.* Гўдаклик, болалик даври. *Баччаликдаги қилиқлари эсига тушди, уйқуси қочди, дарёдай тошди.* «Қўшиқлар». *Отининг ёлин таради, Баччалик даврин суради.* «Гулшанбоғ». *..бир безори ва чапани ҳолда баччалик даври билан хайрлашди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *этн.* Бачча мақомида, ҳолатида бўлиш (*қ.* **бачча 2**) *Бачманинг ота-онаси.. [боласини] баччабозға баччалик учун берса.. олти ойдан кам бўлмағон муҳлатга.. озодликдан маҳрум қилинур.* Газетадан.

БАЧЧАТАЛОҚ [бачча + талоқ] *айн.* Талоқ қилинган хотиндан туғилган бола, талоқ қилинганнинг боласи; енгил койишни ифодаловчи сўкиш шакли. *Ҳе, гап билгунча иш бил, баччаталоқ.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Нима демоқчисан, шу баччаталоқ чолнинг боласига қизимни берайми?* «Эртаклар».

БАЧЧАХЎРАК Эндигина пишиб келаётган, ҳали ғўра мева ҳақида. *Баҳорнинг олд меваси тут баччахўрак бўлиши билан мени қидирган одам дарвозамиз рўпарасидаги қаландархона хиёбонидан топарди.* Н. Сафаров, Наврўз.

БАЧЧАҒАР [бачча + ғар] *сўк.* **1** Нафрат, ғазаб билан қаттиқ койишни ифодалайди. [*Бой:*] *..хотинлик бўлиб қолганингга шукур қилсанг-чи, баччағар!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *-Олиб бор, баччағарни! Қамаб қўй! — деб бақирди мингбоши.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Енгил койиш, норозиликни ифодалайди. *Жилла қурса, оқ соқолимни ҳурмат қилмади-я, баччағар.* «Ёшлик». *-Ма, баччағар, ҳазиллаб эдим, ҳазилни билмайсанми, — деб рўмолини қўлига берди.* «Ойсулув».

БАШАНГ 1 Ясанган-тусанган, ниҳоятда чиройли, кўркам; олифта. *Кийимлари башанг.. қозоқ бийлари, бўлислари ва қўйчи бойлари виқор билан от устида юрадилар.* Ойбек, Болалик. *У* [*Соҳиба*] *худди улуғ байрамлардагидек башанг кийинган.* Газетадан. *Меҳмонхонага башанг кийинган ёшгина йигит кириб келди.* «Ёшлик». *Одамлар ҳозирги кунда янги, башанг кийиниш учун сарф-харажатдан қочмайдиган бўлиб қолишган.* Газетадан.

2 Ўзига зеб беришни, модага мувофиқ кийинишни яхши кўрадиган, модабоз, олифта. *Башанг аёл.* ▬ *Жой бермади трамвайда Аллақандай бир башанг, Касофатнинг касри уриб, Яна тағин сиз тажанг.* А. Орипов.

3 *кўчма* Чиройли, дид билан безатилган. *Дастурхон бир нафаснинг ўзида худди байрамдагидек башанг тус олди-қўйди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Уни башанггина жиҳозланган хонага таклиф қилди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қуланка.

БАШАР [*а.* بشر — одам; одамзод] *кт.* Инсон, одам; киши; одамзод. *Тарихни орқага буриб бўлмайди, Орқага қайтмайди йўлидан башар.* Уйғун. *Уч қизим бор, бир ўғлим бор қошимда.. Бири олим, бири аҳли ҳунардир, Мамлакатга садоқатли башардир.* Ҳабибий. *Шу нокаслар бўлмаганида, Қандай озод яшарди башар.* «Шарқ юлдузи».

БАШАРА [*а.* بشره — тери; пўст] **1** Киши бошининг олд қисми; бет, юз. *Эшик ғич этиб очилди-да, тирқишидан бошини яшил чорси билан танғиб, юзига қатиқ суриб олган аёлнинг башараси кўринди.* У. Назаров, Одамлар. *Вой, башаранг қурсин, нима бало бўлди? Ҳаммомнинг гўлахига ўхшаб кетибсан.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама.* «Қанотли сўзлар».

2 Кишининг руҳий ҳолатини, характерини гавдалантирувчи ҳолат, кўриниш; афт, авзо. *-Исфандиёрнинг заҳар башарасини кўришдан қутулибсан, — деди Кўкан.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ака-уканинг башарасига разм солиб, киноя билан деди: -Кўзларингиз бежо, нима бўлди, тинчликми?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Кишининг маънавий қиёфаси. *Одамларнинг «ҳар икки дунёси» учун ҳам гўё жонкуярлик қилган бу худо вакили* [*Зағчакўз*] *хуржунини тўлдириб, шаҳарга борганда, асл башарасини кўрсатар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ғофир тобора авжига чиқар, бойнинг ҳақиқий башарасини очишда давом этар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Аниқланмиш вазифасидаги сўз билан бирга келиб, *«ўхшаш», «ўхшаган», «симон»* маъноларини билдиради. *Одамлар гуркираб кулиб турган пайтда уларнинг ёнига мулла башара бир киши келиб қўшилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шу пайт думи, қулоқлари қирқилган айиқ башара ит отни қувиб қолди.* М. Мансуров, Ёмби. *Қоп-қора, хабаш башара Муса соатга қараб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БАШАРИЙ [*а.* بشرى – инсонга тегишли] Инсонга, одамзодга тегишли; инсон томонидан яратилган (илоҳий эмас), инсонга хос, инсоний. *Башарий орзулар. Башарий ўйлар.* ▬ *Ишондим башарий жаннатга бугун. У – Одам ва Ҳаво танбеҳ еб, сургун қилиб чиқарилган жаннатдан ўзга. Ҳозирдан жамоли кўринар кўзга.* Шайхзода. *Унинг ўйларида сон минг муаммо, Башарий мушкуллар, фронтлар.* А. Мухтор, Асарлар.

БАШАРИЯТ [*а.* بشريّت – одамзод; инсоният] *кт.* Инсоният, кишилик; инсонлар. *Башарият дунёси. Башарият орзуси.* ▬ *Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига ғолибона юраётир.* Ойбек, Нур қидириб. *Тўкилган қон муқаддасдир. Бу қон болаларимиз учун, башарият саодати учун тўкилган қондир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БАШАРТИ [ба + *а.* شرط – талаб, шароит] *шарт боғл.* Шарт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади ва шарт маъносини кучайтиради; вазифасига кўра *«агар», «агарда», «мабодо», «борди-ю», «магар»* сўзларига тўғри келади. *Башарти йўлдан адашсам, қўлга тушиб қолишдан қўрқдим.* Ғайратий.-*Йўқ, – деди бек,– мен бу ишга, башарти кўнганимда ҳам, қизингиздан яширмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Башарти канизингиз уялмасалар, бизнинг ҳам бир амримиз бор: амр қилсак, уялмасмикинлар?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БАШНЯ [*итал.* bastia – қалъа] **1** Ҳарбий кема, бронланган машиналарнинг гумбаз шаклидаги қурилмаси ва танкнинг айланадиган ана шундай қисми. *Башнялардан ўт очмоқ.*

2 Минора шаклидаги қурилма. *Юсуф фермадан чиқиб, силос башняси томон юрди.* Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан. *Янги материалдан тикланган башня тез битди ҳам мустаҳкам бўлди.* Газетадан. *Текширувда сув башнясининг ишламаслиги натижасида бу ердаги механизмлар бекор турганлиги аниқланди.* Газетадан. *Залнинг ўртасида реакторнинг башняси қад кўтариб турибди.* Газетадан.

БАШОРАТ [*а.* بشارت – яхши, хуш хабар, мужда] *кт.* **1** *эск.* Хушхабар; мужда. *Худайчи қўрғон беги қошига етиб, бек ҳазратларининг ҳозир етиб келишларига башорат берди, яна отининг бошини буриб, йигитлари билан орқага қайтди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Самовий мавжудотлар шоҳаншоҳнинг бахт ва саодатидин башорат бердилар.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Олдиндан кўриш, олдиндан айтиб бера олиш; олдиндан айтилган фикр; тахмин, мўлжал. *Бу орада онасининг башорати тўғри чиқиб, ёмғир томчилай бошлади.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

Башорат қилмоқ Бирор воқеа-ҳодисанинг натижасини олдиндан кўрмоқ, олдиндан айтиб бермоқ. *Улар.. отанинг ҳадемай туриб кетишини башорат қилишарди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Табиатнинг йил давомида кўрсатгувчи инжиқликларидан ҳеч ким башорат қилолмайди.* «Саодат». *Ҳатто палакдаги калий миқдорига қараб бўлажак ҳосил сифатини башорат қилиш мумкин.* «Фан ва турмуш».

3 Башорат (хотин-қизлар исми).

БАШОРАТЛИ Келгусида юз бериши мумкин бўлган воқеа, ҳодисани билдирувчи, айтиб берувчи; олдиндан айтиб қўйилган. *Башоратли фикрлар.*

БАШОРАТЧИ Бўлажак воқеа, ҳодисаларни олдиндан айтиб бера олувчи, келажакни кўра олувчи шахс.

БАЪД [*а.* بعد – узоқлик, масофа; кейин, сўнгра] *эск. кт.* Кейин, сўнг, баъдаз. *Муллалар тўдасида адашиб юриб, зое кетган йилларимга.. баъд афсусланаман.* И. Маматқулов.

БАЪДА [*а.* بعد – кейин, охири] *эск. кт. айн.* **баъдаз.** *Баъда махфий қолмагайким, куёв ўғлингиз хизматларига юборилган эрди. Иншоолло, саломат етган бўлса керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БАЪДАЗ [баъд + *ф.* از – «дан» қўшимчасига тенг сўз; олд кўмакчи] *кт.* Кейин, сўнг, сўнгра; «аввал»нинг акси. *Аввал таом, баъдаз калом.* Мақол. ▬ *Баъдаз унинг устидаги шубҳам бир оз зойил бўлиб, кўнгил кўтардим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Биздан баъдаз салом, дил меҳри билан, Юртдошлик қувончин зўр фахри билан.* Ғ. Ғулом.

БАЪЗАН [*а.* بعضاً – ҳар замон-ҳар замонда] *рвш.* **1** Ҳамма вақт ҳам эмас, ҳар замон-ҳар замонда, аҳён-аҳёнда, гоҳ-гоҳида. [*Йўлчи*:] *Хўжайинларникига бориб турасизми?* [*Абдишукур*:] *Баъзан бориб тураман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳа, баъзан шун-*

дай шўхлик ҳам қилиб туриш керак. П. Турсун, Ўқитувчи. *У* [*меъмор*] *баъзан кампирга ҳам дағдаға қилиб қоларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Айрим ҳолларда, баъзи вақтларда. *Баъзан Гулнорнинг юраги тошиб, бутун дардини, яраларини Унсинга очишни истайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меъмор баъзан шундай узоқ хаёлларга борарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *боғл.* Гапнинг уюшиқ бўлакларини боғлаш учун қўлланади. *[Йўлчи] Баъзан Қоратойнинг ишхонасида, баъзан чойхонада тунаб юрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йўлчи баъзан ёлғиз, баъзан ўз ёнига бировни ҳамроҳ қилиб, қанча жар, қанча қўрғон ва қулоқларни кезиб, сув келтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАЪЗИ [*а.* بعضى – бирор қисм; кимдир, аллаким] **1** *белг. олм.* Ёлғиз ҳолда ёки «бир» сўзи билан ишлатилиб, бир турдаги ёки ҳар хил нарса, кимса, воқеа-ҳодисалардан айримларини, бутундан бўлакни ажратиб кўрсатиш учун қўлланади. *Баъзи (бир) нарсалар. Баъзи (бир) одамлар. Баъзи (бир) кунлар.* ▬ *Гулнор.. [Унсиннинг} бурнини, пешонасини ва баъзи ҳаракатларини Йўлчига ўхшатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оғайнида ҳам оғайни бор. Баъзи оғайни бўлади, жонингга жонини мих қилиб қоқиб ташлайди.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

Баъзи вақт(ларда) Баъзида, баъзан, гоҳо, гоҳида. *Ҳеч нимадан хабарсиз Унсин, баъзи вақт: -Нега акамни кўрмайман, тоғам қаёққа юборган,— деб Гулнордан сўрайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *от взф.* Айрим киши, нарса ва ш. к. ни ифодалайди. *Атрофда одам тўпланди. Баъзилар ачинарди, баъзилар — томошабин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хотинларнинг баъзилари қизиққанларидан чачвонларини қия очиб, Йўлчига яширинча мўралашади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Буни эшитиб, баъзилар қотиб-қотиб кулар, баъзилар бўғилар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БАЪЗИДА *айн.* **баъзан 1, 2**.

БАЯКБОР [*ф.* بیکبار – бирданига, бирйўла; тўсатдан] *кам қўлл.* Тўсатдан, кутилмаганда, ногоҳ. *Ғам кетса нетонг, бошимда дилдор етушгач, Ким соя қочар, нур баякбор етушгач.* Мирмуҳсин, Чўри. *Дарёйи муҳаббатга тушубман, Қаърида кўриб гуҳар баякбор.* Увайсий.

БАЯН [*р.* қадим рус бахши шоири Боян номидан] Катта гармонга ўхшаш, клавишли, дамли чолғу асбоби. *Уч киши саҳнада ўтириб олиб, баян чалмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БАЯНЧИ Баян чалувчи. *Шу баянчиларнинг бири – Никита Григорьевичнинг яхши шогирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БАҚА I *шв.* Сувда ва қуруқликда яшовчи думсиз жонворлар оиласи вакили; қурбақа. *Бақа ботқоғини қўмсар, балиқ – кўлини.* Мақол. ▬ *Бақани боссангиз ҳам «вақ» этади-ю, ахир мен инсонман-ку!* Газетадан.

Бақа бурун, бақабурун 1) ялпоқ ва чаноқлари кенг бурун. *Дилора билан эрини мингбошининг бақа бурун миршабидай олдимга солиб ҳайдаб келдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) шундай бурунли киши. **Бақа кўз, бақакўз** 1) чақчайган кўз; 2) шундай кўзли киши. **Бақа бош, бақабош** 1) ялпоқ бошли; 2) боши шунга ўхшаш одам.

БАҚА II Тегирмон парраги ўқининг учига бириктирилган ва парракдан ҳаракат олиб, тегирмон тошини айлантирувчи металл қисм. *Бақа воситасида тегирмон айланади ва донни эзиб ун қилади.* «ЎзМЭ».

БАҚАВЛИ [ба.. + *а.* قول – сўз, гап; айтилган фикр] *модал с., эск.* Бамисоли, худди. [*Маждиддин*:] *Шоҳим, мендан бекорга ранжийсиз, мен бақавли бир итингизмен, топган-тутганимни тишлаб келиб, хазинангизга ташлаймен.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Умрбод зор бўлиб, бир томчи сувга.. Бақавли ўликдек чўзилиб ётар.* Уйғун.

БАҚАДРИҲОЛ [ба.. + *а.* قدر – миқдор, даража + حال – вазият, аҳвол, ҳолат] *рвш.* Имкониятига яраша, ҳоли, қурби етганча, қўлдан келганча, баҳоли қудрат. *Бақадриҳол ёрдам қилмоқ.* ▬ *Аҳли раста, аҳли савдо ўз дўконин бақадри ҳол безаган.* F. Fулом.

БАҚАЙ *шв.* Поча; тўпиқ; болдир суяги. *Нурали бориб, отнинг бақайидан ушлаб, қулоғини тутса, булут кўчгандек бўлиб.. ердан душман зарби келаётибди.* «Нурали». *Шу бир бақай Ҳасанингга қўшиб, терингга сомон тиқдираман!* С. Сиёев, Ёруғлик.

Калта бақай Калта бўйли, бақалоқ.

БАҚАЖЎХОРИ *бот.* Пояси қаттиқ, туксиз, бут гуллилар оиласига мансуб бўлган кўпйиллик ўт. *Бақажўхори июнь ва сентябрда уруғидан ва илдиз бачкисидан кўпаяди.*

БАҚАЛОҚ I *шв.* **1** Ҳайвонларнинг туёқ билан илик ўртасидаги бўғини. *Сайисларнинг*

отга солган даври Тушади тарлоннинг бақалоғига. «Ойсулув».

2 Шу бўғин ва унга ёпишган гўштдан иборат овқат. *Сўнгра.. тугунини очди. Роса иштаҳа билан қўйнинг бақалоғини нонга қўшиб ея кетди.* Газетадан.

БАҚАЛОҚ II **1** Эни бўйига номутаносиб; семиз, дўмбоқ. *Бақалоқ йигит. Бақалоқ қўллар.* ▬ *Рўпарамда оппоқ нейлон кўйлакни тўлдириб, бақалоқ бир киши турарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Маликахон семиз, бақалоқ сонига шапатилаб, оғзини кўкка қаратиб, завқ билан кулди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Қип-қизил, семиз, бақалоқ танасини зўр бериб елпирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 *кўчма* Йўғон, семиз. *Зум ўтмай, бақалоқ шишали француз коньяги билан бир тарелка ҳусайни узум кўтариб чиқди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Қайрағочнинг қалин, бақалоқ шохлари ташлаб турган соя ҳам.. нафаслари бўғилиб турган аъёнлар жонига ором беролмай қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БАҚАМ *айн.* **бақамти**. *Бақам келиб суҳбатлашар икки ошна.* Т. Йўлдош, Аттанг. *Мана, бугун икковимиз бақам келиб турибмиз.* С. Аҳмад, Сайланма.

БАҚАМТИ [ба.. + *туркий* қамти – яқин ҳолда] *рвш.* Бир-бирига юзланган ҳолатда, бир-бирига қараган ҳолда; бир-бирига яқин, юзма-юз, рўбарў. *Камол Жалолов монтажчи билан бақамти, дўстона суҳбатлашди.* Газетадан. *-Мана энди бақамти гаплашайлик,— деди Жаҳонгиров.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Энди мен Ҳусан ака билан бақамти ўтириб гаплашишни истардим.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

Бақамти келмоқ Юзма-юз келмоқ, юзлашмоқ, учрашмоқ. *Офтоб ўчаётган маҳал икки одам бир-бирига бақамти келиб, чурқ этмай турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. **Бақамти қилмоқ** Юзма-юз қилмоқ, юзлаштирмоқ, учраштирмоқ. *Ораларидан гап қочиб, ўрталаридан қора мушук ўтган пайтларда Раҳимов кўпинча икковини бақамти қилиб, аҳил бўлинглар, деб насиҳат қиларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БАҚАНГ *шв.* Сув ёки бошқа хил юкларни елкага қўйиб ташиш учун мўлжалланган икки учи илмоқлик ёғоч (*қ.* **обкаш**). *Бир куни у бойнинг хотинлари билан бақанг кўтариб, икки челакни икки учига илиб.. дарёга сувга борибди.* «Зумрад ва Қиммат».

БАҚАР [*а.* بقر – буқа, ҳўкиз] *айн.* **сигир йили** *қ.* **сигир 2**. *Ундан ёшини сўраганларида, у – муш, бақар, паланг, харгўш, наҳанг дея, эскича йилағдариб.. жавоб беради.* Ғ. Расул, Адолат. *-Афанди, бузоқни арабча нима дейди? -Сигир бўлгунча сабр қилади, ундан кейин бақар дейди.* «Латифалар».

БАҚАРА [*а.* بقره – қорамол, сигир] Қуръони каримдаги иккинчи, 286 оятдан иборат энг катта суранинг номи. *Қуръоннинг.. "Бақара" сурасидаги оятдагина рўзанинг фарз ва ҳукмларини баён қиладилар.* Газетадан.

БАҚАСАЛЛА *бот.* Қалпоқчали замбуруғларнинг еб бўлмайдиган заҳарли тури. *Бақасалла, ўт хуружида Кенг кўл саёз – на кўрк, на чирой..* А. Шер, Куз ҳилоли.

БАҚАТЕРАК *бот.* Теракларнинг тарвақайлаб ўсадиган, толдошларга мансуб тури, қоратерак. *Норматпарангнинг ҳовлиси гузарда, бутун маҳаллага кўриниб турадиган баланд, қари бақатеракнинг соясига жойлашган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Даладан қайтсак,* [у] *мактаб ҳовлисидаги бақатеракнинг пастки шохига илинган қўйнинг терисини шиляпти.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

БАҚАТЎН *бот.* Сув бетини тўда-тўда бўлиб қоплайдиган бир турли сувўти. *Улар ҳўл, бақатўн қоплаган, сирпанчиқ тошлардан сакраб-сакраб, шовванинг нариги томонига ўтишди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БАҚАЧАНОҚ *зоол.* Чучук сув ҳавзаларининг секин оқадиган жойларида яшовчи пластинка жабрали моллюскалар тури. *Бақачаноқ сув оқими орқали нафас олади ва озиқланади.* «ЎзМЭ».

БАҚАЯПРОҚ *бот. айн.* **баргизуб.**

БАҚАҚУРУЛЛОҚ Думсиз амфибиялар туркумининг бир тури. *Бақақуруллоқ, асосан, дарахтларда яшайди. Шунинг учун у дарахт бақаси деб ҳам аталади.* «ЎзМЭ».

БАҚБАҚА [*а.* بقبقه – ғурра, қавариқ, пуфак ҳосил бўлиши] *с.т. айн.* **бағбақа**. *Шакархон енгилгина кулиб қўйди. Томоғи тагидаги муштаккина бақбақаси силкиниб кетди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Узун бўйнидаги бақбақаси лиқиллаб кетди.* «Шарқ юлдузи». *Ойнинг сутдек нурида унинг* [*Гулсумнинг*] *Бақбақаси Неккадамнинг кўзига жуда жозибали кўринди.* С. Айний, Қуллар.

БАҚБАҚАЛИ *с.т. қ.* **бағбақали**.

БАҚ-БАҚАЛОҚ *с.т. қ.* **бақалоқ** II. *Бақ-бақалоқ бола.* ▬ *Қабулхонада тиқмачоқдек тўла, бақ-бақалоқ бир қиз ўтирарди.* «Ёшлик».

БАҚИЛЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **бақирламоқ.** *Нарироқда бақиллайди қирққулоқли зўр қозон.* Т. Тўла.

БАҚИР I *эск.* Қизил мис. *Номаълум ерда олтин бор, борсанг — бақир топилмас.* Мақол.

БАҚИР II *эск. тар.* Мисдан зарб қилинган чақа пул.

БАҚИР III *шв. айн.* **пақир, челак.** *Бир бақир сув.*

БАҚИР-БУҚУР : бақир-буқур қайнамоқ Бақирлаб қайнамоқ, қаттиқ қайнамоқ. *Гўшт тўла қозон бақир-буқур қайнамоқда.*

БАҚИРИШМОҚ Бақирмоқ фл. бирг. н. *Ҳар ёқдан эркаклар бақиришди, хотинлар қарғашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир-бирига қарамайди, Сира ҳолин сўрамайди, Қочаётир бақиришиб, Бир-бирини чақиришиб.* «Ширин билан Шакар». *Сел қутургандан қутуради, болалар бақиришади.* С. Аҳмад, Уфқ.

БАҚИРИҚ 1 Қўрқинч, даҳшат ёки оғриқдан қилинадиган дод-фарёд, қичқириқ. *Ваҳимали бақириқ кўпга чўзилмади, яна жимлик чўкди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Тўқайда олов ловиллаб ёнаётган қамишзор томонидан бақириқ кўтарилиб қолди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Хурсандчилик, хушчақчақликни ифодаловчи баланд овоз, қийқириқ, ҳайқириқ. *Тўйхонадан йигитларнинг бақириғи эшитилиб турар эди. Уларнинг [ёшларнинг] бақириқ, чақириқ, қаҳқаҳалари узоқ-узоқларда акс-садо берди.* «Шарқ юлдузи».

3 Бор овоз билан қилинган дағдаға, пўписа, дўқ. *Кишандагилар занжирларини шилдиратишар, зиндонбонларнинг бақириғи.. уларни ўйлатиб қўйди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. *У [Тоиров] сиқиқ остига олиш, дўқ-пўписа, бақириқ билан ишни ташкил этиш мумкин, деб ўйлайди.* Газетадан. *..илгарироқ бу ақлу фаросат қайда эди, аччиғу тиззиқ, бақириқлар, ўқилмаган никоҳга талоқ айтишлар.* М.М.Дўст, Лолазор.

БАҚИРИҚ-ЧАҚИРИҚ Кўпчиликнинг қўрқинч, даҳшатдан ёки бирор таъсирли воқеа муносабати билан чиқарадиган қаттиқ бетартиб овози; шовқин-сурон. *Шу вақт отишмалар яна кучайди. Ҳамма ёқни шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ босиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ичкаридан отишма, шовқин-сурон, бақириқ-чақириқлар эшитилиб турарди.* «Ёшлик». *Ҳадемай кеч кириб, қишлоқни подадан қайтган молларнинг маъраши, одамларнинг бақириқ-чақириғи тутиб кетди.* «Ёшлик».

БАҚИРЛАМОҚ Бақир-буқур овоз чиқариб қаттиқ қайнамоқ. *[Ҳамробиби] Дастурхон ёзди, бақирлаб қайнаётган самоварни келтириб, қопқоқлаб қўйди.* Р. Файзий, Эл меҳри. *Катта бакда бақирлаб сув қайнамоқда. Ҳайдарбой хилма-хил чойнакларга жуда чаққонлик билан чой дамлаб, ичкарига ташиб турибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БАҚИРМОҚ 1 Бор овоз билан қичқирмоқ, шовқин солмоқ. *Катта дарё ҳайқирмас, ақлли киши бақирмас.* «Қанотли сўзлар». ▬ *Олахўжа товушининг борича бақиради: -А!? Тарғил ҳўкиз ўлиб қолди? Нима? Нега ўлар экан?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бектемир кўкрагига сиғмаган ҳаяжон ва меҳрни ифодалагандек, ғайришуурий равишда бақириб юборди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Оғриқдан ёки қўрқувдан дод солмоқ, дод-фарёд кўтармоқ. *[Салимбойвачча] Ҳар он, ҳар лаҳза фалокатни кутди. Гўё Гулнор ҳозир ошни ичади-да, дарров бақиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Лаъли бехосдан: «Дод, ўламан», деб бақириб юборди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *«Войдод!» деб бақирмоқчи бўламан, овозим чиқмайди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

3 Овози борича бақириб дағдаға қилмоқ, дўқ урмоқ, пўписа қилмоқ. *-Бақирманг, — деди хўмрайиб Йўлчи, — шу вақтга давр эшитдим, чидадим, энди-чи? Йўқ!* Ойбек, Танланган асарлар. *[Мўлтон Муталга:] Бақиргингиз келса, хотинингизга бақиринг!* О. Ёқубов, Ларза. *Унинг бировга бақирганини, стол муштлаганини Зумрад кўрган эмас.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

4 *кўчма* Чиранмоқ, гердаймоқ. *Бор — бақирар, йўқ — чақирар.* Мақол.

БАҚИРОҚ Бақириб, шанғиллаб гапиришга одатланган; шанғи. *Бақироқ чол. Бақироқ туя — норинг, Бақироқ ота — мадоринг.* Мақол. ▬ *Хўжайин — бақироқ одам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзи қўрқоқ бўлса ҳам, ўлгудек бақироқ, ваҳима.* А. Мухтор, Чинор.

2 Ҳадеб овоз чиқараверувчи, нотинч (ҳайвонларга нисбатан). *Бақироқ сигир сут-*

сиз бўлар. Мақол. *Ёлғиз бола йиғлоқ бўлар, Ёлғиз туя бақироқ бўлар.* Мақол. ▬ *Бақироқ эчкидай мунча шанғиллайсан.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 *кўчма* Шовқин-суронли; гулдуросли. *Офтоб акси тушиб нақшларга бўғилади бақироқ бозор.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Бақироқ булутлар қандай яхши! Шариллатиб ёмғир ёғиб юборди.* Мирмуҳсин, Умид.

БАҚИР-ЧАҚИР Кўп кишиларнинг, кўпчиликнинг баланд ва бетартиб овози. *Маҳалла кўчалари ҳеч қачон бунчалар гавжум бўлмаган эди: бақир-чақир овозлар, арраларнинг чийиллаши, болғаларнинг тақиллаши эшитиларди.* «Саодат». *..ташқарида чироқлар ёнган, йўлакда тапир-тупур қадам товушлари, бақир-чақир, кулги..* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

БАҚИЯ [*а.* بقيه – қолдиқ; ортиб қолган нарса] *эск.* Солиқ, тўлов, қарз кабиларнинг вақтида тўланмаган қисми; қолдиқ, боқимонда. *Солиқ бақиялари.*

БАҚИЯДОР [бақия + *ф.* دار – бирор нарсага эгаликни билдирувчи аффикс] *эск.* Солиқ, тўлов ёки қарзни ўз вақтида тўламаган; қарздор.

БАҚЛАЖОН [*а.* بقله – полиз ўсимлиги, сабзавот] Томатдошлар оиласига мансуб бўлган бир йиллик ўсимлик ва унинг бинафшаранг, серэт ҳосили. *Кампир иккита ликопчада булғор қалампири аралаштириб қовурилган бақлажон келтириб қўйди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Кўзимга аччиқ қалампир билан бақлажон тўла баққол дўконларидан бошқа нарса кўринмайди.* «Ёшлик».

БАҚО [*а.* بقا – абадийлик, мангулик; давомлилик] **1** *эск. кт.* Абадийлик, мангулик; чексиз ҳаёт, абадият. *То муҳаббат умридек Умри бақо бўлсин қуёш.* Э. Воҳидов. *Истибдод ҳеч маҳал билмагай бақо.* Ж. Жабборов.

Бақо ва фано *флс.* Ўрта асрлар Шарқ фалсафасида чексизлик маъносидаги тушунча.

2 *кўчма* Нариги дунё, абадий уйқу олами. *Жойингиз жаннатда бўлғай, Эй падар, нур боимон. Рихлат айлабсиз бақога, Унда нурсиз ломакон.* Н. Аминов, Суварак. *Ким ул шаҳ ўтди бу дорул-фанодин, Хабар келтиргали мулки бақодин.* Саййид Қосимий, Садоқатнома.

3 Бақо (эркаклар исми).

БАҚОСИЗ *айн.* **бебақо**. *Эй воҳ, бақосиз фалак!* Ойбек, Навоий. *Бақосиз билдинг эмди бу жаҳон раънoларин, эй дил, Бориб майхона кунжида фанолиғ қилғанинг яхши.* Увайсий.

БАҚРАЙГАНЧА *рвш.* Ҳайратга, даҳшатга тушган ҳолда. *Севаргул ирғиб ёстиқдан бош кўтарди-ю, бақрайганча, қотди-қолди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Бундай қарасам, Ювош, каллага бақрайганча, суратдай қотиб қолибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

БАҚРАЙМОҚ 1 Ҳайрат ва таажжубдан, қўрқувдан ёки ғазабдан кўзларини катта очиб, чақчайиб қарамоқ, тикилмоқ. *Ҳа, маймун ўйнатяпманми, нега менга бақрайиб қарайсан?* «Саодат». *Ўтирган паранжили хотинлардан бири буларга ҳадеб бақрайиб қараган ёш қизчасини етаклаб, четга чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Берироқда ўтирганлар нима ҳақида баҳс кетаётганига унча тушунолмай, бир-бирига бақрайишарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *-Бақрайманг, мулла Муҳсин, – деди кулимсираб Хатиб домла..* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Боқижон оғзини очиб, бақрайиб қолди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Кўзлари катта очилган ҳолда қотиб турмоқ. *Кейин кўзлари ўлган бузоқнинг кўзларидай бақрайиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза. *Саид аввал бақрайиб турди-да, кейин Мадинанинг гапини тушунди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БАҚРАЙТИРМОҚ: кўзни бақрайтириб 1 Кўзларини катта очиб, чақчайтириб қараб туриб (ғазабдан ёки назар-писанд қилмагандай). *Ҳакимбойвачча Гулсумбибини куч билан силтаб тортди, кўзларини пиёладай бақрайтириб бобиллади: «Бас, уятсиз махлуқ!»* Ойбек, Танланган асарлар. *Акмал акам сал нарироқ турган бўлса ҳам майлига эди, кўзини бақрайтириб туриб сўрагани нимаси?* Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

2 Кўзларини бир нуқтага тиккан ҳолда уйқусиз. *Айвонда кўзимни бақрайтириб ётибман-у, шуларни ўйлайман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Одамнинг кўзини (*ёки* **кўзингни**) **бақрайтириб** Одамнинг кўз олдида, одамнинг кўзига қараб туриб. *Одамларинг ярамас бўлса, ўғриларга йўл очиқ. Куппа-кундузи кўзингни бақрайтириб талайдилар..* Ойбек, Қуёш қораймас.

БАҚРАЙТМОҚ *қ.* **бақрайтирмоқ.** *Кўзларини бақрайтган Тожибой Элмуродга

бақирди: -Нима, нима? Нима қилиб қўйибман кўпчиликка-а?! П. Турсун, Ўқитувчи.

БАҚУВВАТ [ба.. + қувват] **1** Куч-қуввати нормал даражадан ортиқ, зўр жисмоний кучга эга бўлган; кучга тўла, кучли. *Бақувват одам. Бақувват йигит. Бақувват аёл. Бақувват от.* ▬ *Мирзабой жисмонан анча бақувват эди.* «Ёшлик». *Тоғда гавдали, бақувватлар керак бўлади, деб ўйлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бу эркак ўзи суяниб турган қоядек дағал ва бақувват, қуёшдек иссиқ ва ҳузурбахш эди.* «Ёшлик».

Бақувватмисиз? Ҳол-аҳвол сўраш, саломлашиш, кўришишда айтилади. *-Бақувватмисиз, отажон? -Алҳамдулилло.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзинг саломатмисан? Ўзинг бақувватмисан, Шокир?* «Ёшлик». **Бақувват тортмоқ** Кучга кирмоқ, кучига-куч қўшилмоқ. *Меҳнат билан киши қаримайди, етилади, бақувват тортади.* Газетадан. **Бақувват қилмоқ** Куч-қувват бағишламоқ; суянчиқ, таянч бўлмоқ. *..кўкрагимни иситиб, белимни бақувват қилиб турган хатни-я!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Организм бирор қисмининг соғлом, бўлиқ ва кучга тўлалигини ифодалайди. *Бақувват қўллар. Бақувват тишлар. Бақувват елка. Бақувват панжа. Бақувват соч.* ▬ *Йигит супа олдида тўхтаб, халтасини қўйди, узун, бақувват қўлларини чолга чўзди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Заргаров бақувват иягини аста кўтариб, киприкларини пирпиратганча Зиёдага тикилиб қолди.* А. Мухтор, Асарлар. *..кўкрак чўнтагидан тароғини олиб, қундуздай бақувват сочини таради.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ем еган отлар бақувват оёқларини кериб ташлаб, қўш косилкани эркин судраб кетдилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Пишиқ, мустаҳкам. *Бақувват ип. Бақувват курси. Бақувват панжара.* ▬ *Тожини амирзода ҳарамига олиб боришиб.. бақувват курсига ўтқазиб, қўл-оёғини унга маҳкам боғлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Дороббек деразанинг бақувват темир панжараларидан ичкарига мўралади.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Ҳовлида бир уй, бир айвон, яна бир ҳужра бор. Эски, аммо ҳали бақувват.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Яхши ўсган, баравж, бўлиқ, йўғон. *Йўнғичқа сизникими? Ёш экан ҳали, жуда бақувват ўсибди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғўзанинг ҳосилдор шохлари бақувват, етук эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Толнинг тўғри ўсган бақувват шохлари ходача ўрнида ишлатилади.* Газетадан. *Адил, бақувват қарағайлар кўзларни беихтиёр ўзига тортди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Ҳаракатлантирувчи катта кучга эга, қувватли. *Бақувват мотор. Бақувват техника. Бақувват трактор.*

6 *кўчма* Бадиий жиҳатдан пишиқ, мазмунли. *Драматик поэмада персонажлар нутқи шеърий жиҳатдан бақувват, афоризмга бой, ҳаяжонли, таъсирли бўлиши керак.* «ЎТА». *Бақувват шеър керак дастгоҳ вазнида. Азамат болғанинг ҳар зарби бир шеър.* А. Мухтор, Асарлар. *Театрнинг ҳам асосий, ҳам кичик саҳнасида бир неча бақувват спектакллар кўрсатилди.* «ЎТА».

7 Катта бойликка эга бўлган, бадавлат, давлатманд; таянчи, суянчиғи бор. *Тангриқул ҳожи бақувват хўжалик эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Таги бақувватмикин? -Бақувватки, у ёқ-бу ёғи йўқ.* «Ёшлик».

Бели бақувват Бой, давлатманд. *Эли бақувватнинг бели бақувват.* «Қанотли сўзлар». ▬ *Шундай замонда унинг қизига ўн беш минг берадиган «бели бақувват» топилармикан?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Илиги бақувват** Соғлом, кучли, забардаст. *Илиги бақувват экан!* Ойбек, О. в. шабадалар. **Имони бақувват** Маънавий, ахлоқий жиҳатдан баркамол; покиза, ҳалол. *Имонингиз доимо бақувват бўлсин..* К. Яшин, Ҳамза. *..ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ва булар каби азиз уламою фузалолар.. мусулмон, имони бақувват зотлар бўлганлар.* К. Яшин, Ҳамза. *Бақувват экандир танда имонинг.* «Юсуф ва Аҳмад».

БАҚУВВАТЛИК Куч-қудратга, қувватга, бойликка эгалик, мустаҳкамлик. *У ўзининг бақувватлигини кўрсатди. Хўжалигимиз мустаҳкам ва бақувватлигини исботлади.*

БАҚҚА *с. т. шв. айн.* **буёққа.** *Э, полвон бола, баққа юр!* С. Аҳмад, Уфқ. *-Қани, пакитни олинг, жиян, — деди Даврон тоға. — Олинг баққа!* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

БАҚҚОЛ [*а.* بقّال — озиқ-овқат моллари, сабзавот сотувчи] *эск.* Майда-чуйда рўзғор моллари ва озиқ-овқат (мева, ширинликлар ва ш. к.)лар сотувчи майда савдогар. *Сўз кўрки*

— мақол, Гузар кўрки — баққол. Мақол. ▬ *Ҳар йили ҳамалнинг ўнинчи куни шаҳардаги нуфузли баққоллардан бири етти хил кўкат, етти хил тармева солинган баркаш кўтариб саройга борарди.* С. Сиёев, Аваз.

БАҚҚОЛЛИК 1 Баққол иши, касби, ҳунари. *Урганжиларнинг кўпчилиги баққоллик қиларди, шунинг учун уларни «баққолон» — баққоллар деб ҳам юритардилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Баққол дўкони ва ўшандай дўконлар жойлашган раста. *[Ҳасанали] Узун кун уйида бекор зерикканлигидан, ҳожига айтиб, бирмунча дастмоя билан гузардан баққоллик дўкони очган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БАҚҚОЛХОНА [баққол + хона] Баққол дўкони, баққоллик билан шуғулланиш жойи. *[Шерали] Етти йилдан сўнг саргардон бўлиб, балиқфурушларга хизмат қилиб, акасини ёд қилиб, бир чет бозорга келиб, бир баққолхонада ўтира бошлади.* «Эрали ва Шерали».

БАҚҚОЛЧИЛИК *айн.* **баққоллик.** *Матпано баққолчиликка ўтиб, бир белбоғ мевачева олди.* С. Сиёев, Аваз. *Бир қассоб дўкони; бунинг ёнига суқилган кичкина баққолчилик.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАҒАЗ [*ф.* بغاز — пона, ёғоч қозиқ] Сўри ёки ишкомнинг поясига кўндаланг боғланадиган ёғочлар. *Қатор кетган ишком. Ҳосилидан сим бағазлар қаддини аранг кўтариб турибди.* Газетадан. *..ўсиб чиққан янги новдалар юқори бағаздан ошиб, пастга — заминга қараб ўса бошлади.* Газетадан.

БАҒАЙРАТ [ба.. + ғайрат] *айн.* **ғайратли**. *Йўлдош ака — ақли расо, бағайрат, баҳиммат йигит, ўз қардошлари орасида камол топмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Кексалари йигитлардай бағайрат, аммо йигитлари кексалардай солдийда, доно.* Ғ. Ғулом.

БАҒБАҚА [*а.* بقبقه — қулқуллаш; пуфак ҳосил бўлиш *ёки* غبغبه — иккинчи ияк, бақбақа] Ияк остидаги бир оз осилинқираб турган юмшоқ эт. *[Кумушнинг] Бу кунги совуққа қарши кийиб олган савсар пўстинининг ёқалиги кишининг ҳасадини орттириб, нафис бағбақаларини ўпиб ётар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анча озиб, бағбақалари шалвираб қолган Салимхон Обидий ҳам залда ўтирарди.* Мирмуҳсин, Умид.

БАҒБАҚАДОР [бағбақа + *ф.* دار — бирор нарсага эгаликни ифодаловчи аффикс] Бағбақаси бор, катта бағбақали. *Мадина чодра ичида овозини чиқариб, бағбақадор адвокатни дуо қилди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

БАҒ-БУҒ *тақл. с.* Бир-бирига қулоқ солмай, тартибсиз равишда шанғиллаб гапириш, шунга ўхшаш шовқин. *Хуллас, «Болалик уй — бозор» деганларидек, бу уйда бағ-буғ кўп бўлса ҳам, ғийбат йўқ.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Болалари кўп, уйи бағ-буғ.* Ойбек, Болалик. *-Ана холос, — деди Эъзозхон, болаларининг бағ-буғидан қулоғи битиб, — энди ишга ҳам юборишмайди бу гиргиттонлар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

БАҒДАШ *шв. айн.* **чордана.** *Уйда бундай қилиб, бағдаш қуриб ўтирмайди (канизлар).* «Муродхон».

БАҒДОДИ 1 Яхлит тахталардан ясалиб, геометрик шаклли нақшлар билан безатиладиган икки табақали энг қадимги эшик тури.

2 Ёғочсозлик ва кулолчилик маҳсулотларига геометрик шаклли нақшлар солиш усулларидан бири.

БАҒДОДИЙ 1 Бағдод шаҳрида ишланган, Бағдод шаҳридан келтирилган. *Бобурнинг яловбардори олиб юрган тиғлар орасида олтин дастали катта бағдодий қилич бор эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бағдод шаҳрида таввалуд топган; бағдодлик.

БАҒИЗ *кам қўлл.* Нуқсон, айб, камчилик; баҳона. *[Бой] Ҳе йўқ-бе йўқ ўшқиради, ҳар нарсадан бағиз топиб, болаларни койийди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

БАҒИЛЛАМОҚ 1 Куйиб-пишиб норози оҳангда тинимсиз гапирмоқ. *Самандар тутаққанча подадан адашган эчкиларини олдига солиб келаётган экан, бағиллаб берди.* «Ёшлик».

2 Тинимсиз, қотиб йиғламоқ. *Бола кечаси билан бағиллаб чиқди.*

3 Шовқинли овоз чиқармоқ (техник асбобларда). *Самовар бағиллаб қайнамоқда.* ▬ *[Насос станциясида] Қанча-қанча ақлли машиналар бағиллаб ишлаб турибди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

БАҒИР (3-ш. бирл. **бағри) 1** *айн.* **жигар 1**. *От — сағридан, қўй — бағридан.* Мақол. *Бағринг оғриса, бол ҳам тотимас.* Мақол.

2 *кўчма* Тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми; кўкрак, кўкс, тўш. *Бағрига босмоқ.* ▬ *Нилуфар қўғирчоқни бағрига босганча, югуриб ойисининг ёнига борди.* С.

Аҳмад, Юлдуз. *Аҳмад билан бағир бериб кўришдик.* «Ёшлик». *Анвар овқатдан бир-икки луқма олиб, қўлини артди, сандал кўрпасини бағрига тортиб, кучли ва узун тин олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *кўчма* Кучоқ; ҳимоя, паноҳ; ён. *Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Синглингиз бағримда бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Усмонжоннинг кампир онаси бағрида туриш унга ўнғайроқдек кўринарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Бағрига олмоқ 1) қаттиқ қучоқламоқ; 2) *кўчма* ўз паноҳи, ҳимояси остига олмоқ. *Катта ҳовлида Пошшахон ўзи ёлғизланиб қолгандан сўнг, Лаълини дурустроқ бағрига олди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

4 *кўчма поэт.* Юрак, қалб, дил. *Бағри қонлар бирла ёрнинг зарра дарди йўқ, нетонг.* А. Орипов. *Поезднинг сўнгги гудоги бағримни наштар мисоли тилиб юборди.* С. Сиёев, Кўрмайин босдим тиканни. *Айрилиқ ўтида бағри пораман, Қани энди Шоқаландар меҳрибон.* «Маликаи айёр». *Кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди, Бунда ёлғиз эрди бағри эзилди.* «Маликаи айёр».

5 Жуғрофий ҳудуднинг ён, нишаб томони. *Улар [Суннат билан Элмурод] сув ёқалаб юриб, пастликка тушдилар.. бир оз юргач, тоғ бағрида бир неча уй кўринди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Тоғ бағирларида асалариларнинг мўл ва шифобахш асал тўплаши учун шароит етарли.* Газетадан.

6 *кўчма* Улкан, чўзилган ҳудудли макон, фазо; қўйин, қучоқ. *Чўл бағри. Ўрмон бағри. Ўлка бағри. Тун бағри.* ▬ *-Мирзачўлнинг бағри кенг, — деди Сайрамов.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Қамишкапа кичкина ва хунуккина қишлоқ бўлса ҳам, бағри кенг, хушҳаво.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг овози сукунат бағрини чок-чокидан тилади.* «Шарқ юлдузи». *Кўк бағрини чок қилди вулқон. Парчаладди шум ният тунни.* «Гулдаста». *Кечки пайтда баданни ачитувчи бундай изғирин чўл шамоли чўл бағрида кезиб қоларди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Бағри бутун Ғамсиз, ташвишсиз, беармон. *Дунёда бағри бутун киши йўқ экан-да, ҳар кимнинг юрагида бир андуҳ.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Бағри доғли** (*ёки* **бағри кабоб, бағри қон, бағри хун**) Ўта хафа, дилтанг, ғам, қайғу оғушида; куйиб адо бўлган; тамоман умидсиз. *[Ғофир:] Лекин шу нотавонларни, бағри қон бечораларни ёқлайман.* К. Яшин, Ҳамза. *Тахта полсиз, нимқоронғи, тор уйчага жойлашгунча бағри хун, тоқати тоқ бўлганидан, бунда ўзини бахтли ҳисоблар эди у.* Ойбек, Нур қидириб. *Кўзларида лиммо-лим кадар, бағри доғли, юраги адоқ.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Оқ юзимдан тавоф қилиб, Йиғлай-йиғлай, бағрини кабоб қилиб.* «Нурали». **Бағри кенг** 1) даргоҳи, қучоғи, майдони кенг. *..битта бола бўлса, юмалаб-сумалаб ўсади, ҳеч ташвиш тортманг, колхознинг бағри кенг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) жўмард, сахий, кенг феъл. *Раис Ҳотамдан беш-олти ёш катта, одамохун, мулоҳазали, бағри кенг бир киши.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Кўпинча куз деганимизда, кўз олдимизга шукуҳли, доно ва бағри кенг кексалар келади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Бағри куймоқ** Алам, ҳасрат, фалокат, жудоликка гирифтор бўлиб қийналмоқ. *Боланг ўлса бўлмасмиди. Бағринг куйса бўлмасмиди, Гитлер ўлгур, бошингдан Яшин урса бўлмасмиди.* «Қўшиқлар». **Бағри қора** Бировнинг ютуғини кўра олмайдиган, ичи қора, ёвуз. *Бағри қора одам.* ▬ *[Жамила хотинларга:] Йўқол номус, юрак ўғрилари, кўзимдан йўқол! Қассоблар, бағри қора калтакесаклар, илонлар, чаёнлар.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Бағрингиз бутун бўлиб қолдими?** Йироқдаги, кутган кишиси келган одамдан кўнгил сўраш учун ишлатиладиган ибора. **Бағрини кўтариб олмоқ** 1) қоматини ростлаб, олмоқ; ғурур билан дадил юрмоқ. *Сен ҳам бундай бағрингни кўтариб юрсанг-чи!*; 2) моддий ёки маънавий қийинчиликлардан қутулиб, ўзини ростлаб олмоқ. *Худога шукур, бу йил деҳқончиликдан анча бағримни кўтариб олдим.* **Ер бағрида** 1) ер ичида, ер остида. *Ўзбекистон ер бағриларида жуда кўп, хилма-хил фойдали қазилмалар бор;* 2) ер тагида, гўрда. *Навқирон Тоҳиржон ер бағрида ётганда, мен келинни ўйлайманми?* Ойбек, Танланган асарлар.

БАҒИР-БУҒУР *айн.* **бағ-буғ.** *Болаларнинг бағир-буғуридан қулоғим тинди. Бағир-буғур гаплашиб ўтиришибди.*

БАҒИРЛАБ: ер бағирлаб Ерга яқинлашиб, ерга ёпишиб, ер бўйлаб. *Ер бағирлаб учмоқ.* ▬ *Икки ёндаги хазонрез гуллар ёмғир шиддатидан ер бағирлаб ётибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Булар талай ергача эмаклаб, талай*

ергача ер бағирлаб боргандан сўнг, бутазорга киришди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ана, бизнинг қанотли соямиз ер бағирлаб сузмоқда.* А. Мухтор, Асарлар.

Ер бағирлаб қолмоқ Қариб мункайиб қолмоқ, қартаймоқ. *Бечора кампир ер бағирлаб қолибди. Нормат унинг қонсиз, тиришган юзларига қаради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БАҒИРЛАМОҚ *айн.* **бағилламоқ**.

БАҒИШЛАМОҚ 1 Бирор нарсага эга қилмоқ, эриштирмоқ; бермоқ, бахш этмоқ. *Ғайрат бағишламоқ. Илҳом бағишламоқ. Орзу инсонга қанот бағишлар.* Мақол. ▬ *Агар банда сидқидил билан худодан сўраса, томчи ўрнига дарё бағишлайди.* Ойбек, Нур қидириб. *Камтарлик, ақл-заковат кишиларга улуғлик бағишлайди.* Газетадан. *Эсингизда борми, мени дор остидан қутқариб, менга янги ҳаёт бағишладингиз?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Бутун борлиғини бировга бермоқ, унинг ихтиёрига топширмоқ; бахшида этмоқ. *У [Шукур Саъдулла] бутун умрини ёш авлод қалбига эзгулик сингдиришга бағишлади.* «Саодат». *Тўлғоной билан Пардабой, шундай қилиб, бир-бирига танини бағишлаб, неча замонлар ўйнаб-кулиб қўша қаришди.* «Ойсулув». *-Юзта жоним бўлса, ҳаммасини устодга бағишлайман, — деди Зулфиқор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бирор нарсани (одатда бадиий асар, мусиқа ва ш. к. ни) бирор кимсага, масала ёки маросимга атамоқ, қаратмоқ. *Улкан шоир ва таржимонимиз Миртемирнинг маъсум хотирасига бағишлайман.* Ғ. Салом. *Шоир бўлсам, ёмонми? Ҳамма шеърларимни ёлғиз сизга бағишлардим.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Гулжамол жангчи ёри Бегижонга бағишлаб қўшиқлар тўқиб, оқ олтин далаларини янгратиб куйламоқда.* Н. Сафаров, Севги.

4 *дин.* Дуо ўқиб, савобини худога, азиз-авлиёларга ва арвоҳларга атамоқ, бахшида қилмоқ. *Қуръон бағишламоқ.* ▬ *Бир қария Холматжоннинг бувисига қуръон бағишлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *«Қул-ҳуваллоҳу аҳад»ни уч марта такрорлаб, фотиҳа ўқиди ва: -Кеча, бугун ўлган ҳамма ўзбекларга бағишладим, — деб шивирлади Полвон.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 *эск.* Кечирмоқ, афв этмоқ. *Қутбижоним, мени бағишла, деб ёлворган ҳолда Ҳамдам унинг қўлини тутиб, сўзини давом қилдирди.* С. Айний, Қуллар.

БАҒИШЛОВЧИ Бирор нарса (хусусият, ҳолат, руҳий озиқ ва б.)га эга қилувчи; берувчи, бахш этувчи. *Бу кеча ҳам бу иккинчи ўлимдан қутқазувчи ва иккинчи марта менга ҳаёт бағишловчи сиз бўласиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Руҳга енгиллик бағишловчи, дилни маст қилувчи аллақандай нордон ҳид димоққа урилди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

БАҒОЯТ [ба.. + ғоят] *рвш.* Юқори, ортиқ даражада, жуда ҳам, ўта. *Кароматингиз бағоят тўғри.* Ойбек, Навоий. *Унинг кулгуси ўзига бағоят ярашар эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ишлари бағоят кўп бўлгани сабабли Қамбар Мирзодан ҳамма гапни эшитиб турдим, — дедилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БАҒРИКЕНГЛИК Масалага кенг кўламда, очиқ кўнгиллик билан ёндашишлик. *Гап бағрикенгликда, холисликда, адабиётимизнинг келажаги учун чинакамига қайғура билишдадир.* Газетадан. *Ана шу «композицион» бағрикенглик биринчи навбатда Шайхзоданинг ягона бир мотивни поэма-поя ривожлантириш санъатида кўзга ташланади.* «ЎТА».

БАҒРИТОШ Бераҳм, шафқатсиз. *Бағритош одам.* ▬ *..бари бир бағритош бойдан, ҳали кўрасиз, қасос олмай қўймайман.* К. Яшин, Ҳамза. *Гўдакларни ота меҳридан маҳрум этиб, уларни тирик етим қилган бағритош — сиз эмасмисиз?* «Таниш башаралар».

БАҒРИҚОРА *зоол.* Сийнасида қора белгиси бўлган қуш. *Қодиржон ака, ҳаққушлар осмонда парвоз қилиб юрсалар, ана бағриқора, деманг яна.* «Аския».

БАҒРИҚУРТ *зоол.* Қўйларнинг ўпкасига тушадиган бир хил қурт. *Айниқса, қоракўл қўзилари нозик бўлади: зах ерга ётди дегунча, ўпкасига бағриқурт тушиб, ўлиб кетади.* С. Анорбоев, Эртаги куннинг товуши билан.

БАҲАВО [ба.. + ҳаво] Ҳавоси ёқимли, мусаффо; кенг ва очиқ. *Шоир бир нафас ором олмоқ учун тоза, баҳаво бир хонага кирди.* Ойбек, Навоий. *Йўлкалари топ-тоза, бағри кенг, баҳаво бир хиёбон.* «Саодат». *Асрорқул чойхонани жуда баҳаво жойга қилган эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БАҲАЁ [ба.. + ҳаё] *айн.* **ҳаёли, номусли**. *Баҳаё қиз.* ▬ *..ишингиз бормиди? — маъноли,*

баҳаё оҳангда сўради кулимсираб, уялганидан ёноқлари қизариб кетди қизнинг. Ойбек, Улуғ йўл. *Болаларникидай кулимсираган, жуда жонли ва қандайдир баҳаё қоп-қора кўзлар дафтарлар устида югуради.* Ойбек, Нур қидириб.

БАҲАЙ [ба.. + *ф.* هی – хўш, қани; ҳой] Нима гап, қалай; тинчликми; яхши. *-Ҳа, уста Фарфи, баҳай? – деди Ҳомид.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Баҳай? Тинчликми? – сўради бозор ишчиси.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Саломатмисиз, қимирламанг, қимирламанг. Ҳа, баҳай?* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

БАҲАЙБАТ [ба.. + ҳайбат] **1** Ҳажм-ўлчови одатдагидан ортиқ; жуда катта, жуда улкан, ҳайбатли. *Баҳайбат минора. Баҳайбат тоғ.* ▬ *Асрий қорлардан бошига салла ўраган баҳайбат қоялар шаҳар теграсида виқор билан турганча қотиб қолган.* К. Яшин, Ҳамза. *Баҳайбат ўрик остидаги каравотда эллик ёшлар чамасидаги бир аёл ўтирарди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Баҳайбат пармаловчи машиналар қишлоқ биқинида қудуқ қазиётир.* «Ёшлик».

2 Кўриниши ваҳимага соладиган, қўрқинч ҳиссини туғдирадиган; ваҳимали, даҳшатли. *Лочин деганда, кўз олдимизда баҳайбат йиртқич қуш пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш». *Икки-уч юз қадам наридаги якка-ёлғиз дарахтлар ва пастқам уйларнинг қамиш ва ёғоч бўғотлари туман ичида, оқшом маҳалдаги кўланкадай, баҳайбат кўринарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўтовдай шўппайган улкан тошлар ортида қандайдир баҳайбат махлуқ пойлаб тургандай.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

БАҲАМ [*ф.* بهم – бирга, биргаликда]: **баҳам кўрмоқ** *ёки* **баҳам кўришмоқ** **1** Ўртада тенг бўлишиб емоқ ёки ичмоқ; бўлишиб олмоқ. *Аҳмаджон ака.. ўзлари сержон бўлсалар ҳам, битта нонни топсалар, биз билан баҳам кўришган.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Ҳаммамиз худди бир ота-онанинг боласидек аҳилмиз. Ҳамма нарсани баҳам кўрамиз.* Ҳ. Нурий, Лочин боласи лочин. *Ҳеч бўлмаса, бундай бирга ўтириб, шу чойнакдаги чойни баҳам кўрса, нима қиларкин?* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Ўртоқлашмоқ, сирлашмоқ, ўзаро фикр алмашмоқ. *Дўст фақат ташвишда эмас, қувончни баҳам кўришда ҳам билинади.* «Ёшлик». *Мавлуда ўз тажрибаларини ҳеч вақт сир сақламайди, балки уни доимо ўз дугоналари билан баҳам кўради.* У. Муҳамедов, Опа-сингиллар. *Бекмирза иккимиз фильм ҳақидаги таассуротларимизни орада баҳам кўрдик.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. *Аҳмадларни тезроқ учратиб, шодлигимни баҳам кўргим келади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БАҲАМЖИҲАТ [ба.. + ҳамжиҳат] *рвш.* **1** Бир тан, бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик, аҳиллик билан. *Туркистон шаҳридаги кўп дўкондорлар тошкентликлар бўлиб, улар Анорбой деган катта бир бойнинг қўрасини ижарага олиб, шу ерда баҳамжиҳат туришар экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *..оила ҳамда кенг жамоатчилик баҳамжиҳат иш олиб борсагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.* Газетадан. *Хоразм элчиси Маҳмуд Жанда Ўзган шаҳрига беҳисоб совға-саломлар билан бориб, баҳамжиҳат бўлмоққа даъват этибдур.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *кесим взф.* Иноқ, тотув. *Келинларим жуда чиқишоқ, ҳар ишда баҳамжиҳат.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Гап иттифоқда, баҳамжиҳат бўлишда, укам. Орага фитна солиш ёмон нарса.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАҲАМЖИҲАТЛИК Бир ёқадан бош чиқариш; иноқлик, биргалик. *Ҳамма баҳамжиҳатлик билан бир-бирини қўлласа, чўлларимиз бойроқ гулистонга, олтин водийга айланиб кетади, албатта айланади.* «Шарқ юлдузи». *Мамлакатимиз учун иттифоқлик, баҳамжиҳатлик, якдиллик сув ва ҳаводай зарур.* Ойбек, Нур қидириб.

БАҲАРНАВ [ба.. + هر – ҳар қандай + *а.* نوع – усул, йўл, восита] *рвш.* **1** Ҳар қалай, дуруст, ҳар ҳолда, бир навъи. *Катта одамнинг, ҳадеб суриштира бермай, ўз ҳолича юргани ҳам баҳарнав экан.* С. Анорбоев, Оқсой. *Чойхоначи Мирзо бувага кўмаклашиб, сув ташиб юрганиям баҳарнав экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қўшалоқ ўғлининг еттиси куни бутунлай овози чиқмай қолди. Сочини юлиб йиғлаганиям баҳарнав экан.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Қандай қилиб бўлмасин, қандай қилиб бўлса ҳам, амаллаб. *Баҳарнав, шу эҳтимолни хоннинг қулоғига еткизсак бас-да, Калоншоҳ.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БАҲАРҲОЛ [ба.. + هر – ҳар қандай + *а.* حال – ҳолат, вазият; аҳвол] *рвш. кт.* Ҳар

ҳолда, ҳар қалай. *Султонали Анвар билан қизни тутиб беролмаса ҳам, баҳарҳол, хонга яхши кўриниб, Анварнинг ўрнини олишга муваффақ бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..ўтириб зерикканиданми, баҳарҳол, биронта ҳамсуҳбатга муҳтожлик кўринар эди.* Ҳ. Абдуллаев. *Кулимсиради-ю, йигитни баҳарҳол, тушовлаб олгандек тутди ўзини.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

БАҲАҚ(Қ) [ба.. + *а.* حقّ – ҳуқуқ; адолат, ҳақиқат; оллоҳ] **1** Худо учун, худо йўлида (жон таслим қилиш). *-Бултур жон баҳақ таслим этганлар, – деди кампир хўрсиниб.* М. Осим, Карвон йўлларида. *«Омонатингдан қутулдим», деб баҳаққи жон таслим қилиб, бу бобо ҳам дунёдан ўтди.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Худо ҳаққи, худо йўлида; тўғри. *Орамизда бу қўрқинч ҳолатга баҳаққи тушунадиган яхши одамлар йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БАҲ-БАҲ *унд. с.* Ҳайвонларни чақириш учун қўлланадиган ундов сўз.

БАҲБАҲЛАМОҚ «Баҳ-баҳ» деб чақирмоқ. *Баҳбаҳлашиб чўпонлар, чопаётир изидан.* «Ойсулув».

БАҲИММАТ [ба.. + ҳиммат] *айн.* **ҳимматли**. *Йўлдош ака – ақли расо, бағайрат, баҳиммат йигит, ўз қардошлари орасида камол топмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БАҲО [*ф.* بها – нарх, қиймат] **1** Бирор нарсанинг пул билан ўлчанадиган қиймати; нарх. *Юқори баҳо. Паст баҳо. Чакана баҳо. Бозор баҳоси. Келишилган баҳо. Қатъий баҳо. Уйдаги нархни бозордаги баҳо бузар.* Мақол. ▬ *Отимнинг ўмилдириғига уларнинг ҳаваси келиб, баҳосини сўрадилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 *кўчма* Аҳамият, моҳият, қадр-қиммат. *Бизда сувнинг баҳоси олтинга тенг.*

Баҳо бермоқ 1) баҳосини, нархини белгиламоқ; 2) бирор кимса, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг аҳамияти, қадри ҳақида фикр билдирмоқ. *Биз эса бунга тўғри баҳо бермай, раҳмдиллик қиламиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Одамнинг ҳуснига баҳо берма, ақлига баҳо бер.* Мақол. ▬ *Негадир бу воқеага керагидан ортиқча баҳо бериб, унга, Оқилага синовчан назар ташлаб юрадиган бўлишди.* М. Жалолиддинова, Шонли авлод. **Баҳоси йўқ** 1) ҳеч баҳолаб бўлмайдиган, жуда улкан аҳамиятга молик бўлган, бебаҳо. *Ҳаётда газ — баҳоси йўқ нарса экан.* ▬ *..Лекин [Ўрмонжон] яхши одам, худога қараб айтганда, баҳоси йўқ одам.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) топилмайдиган, тенгсиз, ноёб. *Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотин.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Айниқса, мусаффо ҳавосининг, танга ором бахш этувчи сарин елларининг баҳоси йўқ.* «Ёшлик».

3 Таълим тизимида ўқувчиларнинг билимни ўзлаштириши, ахлоқи ёки маълум ютуққа эришиш даражасига қараб қўйиладиган балл. *Беш баҳо. Қониқарли баҳо.* ▬ *Энди мактаб бораман, Беш баҳони оламан. Онамни қувонтириб, Шоколадни оламан.* «Бойчечак». *Нутқи равон болаларнинг баҳолари кўпинча юқори бўлади.* «Саодат». *Бу баҳолар билан институтни орзу қилмаса ҳам бўларди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БАҲОДИР [*мўғ.* баатар – жасур, қўрқмас] **1** *фольк.* Жисмонан қудратли, паҳлавон; девқомат. *Рустам баланд бўйли, кенг елкали, баҳодир йигит бўлиб етишибди.* «Эртаклар». *Баҳодирлар бу майдонда Туриш бермоққа ҳавасда.* «Гулшанбоғ».

2 Ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган, довюрак, ботир; ҳимматли. *Ватанпарвар, жанговар бўл, ҳушёр бўл, Баҳодир бўл, халқинг билан ҳамкор бўл.* Ҳабибий. *Ҳосил жонкуярлари ва яйлов баҳодирлари сафида кўплаб мардимайдонлар бор.* Газетадан.

3 *кўчма* Қудратли, улкан, азамат. *Бу ялтироқ кўзли, қоп-қора узун гавдали, пўлат баҳодир (поезд) ўз бағрида бутун бир ҳаёт олиб келмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Баҳодир (эркаклар исми).

БАҲОДИР (ЛАР) *тар. эск.* Мўғуллар ҳукмронлиги даврида хоннинг шахсий жанговар гвардияси. *Баҳодирлар уруш вақтида илғор қисм билан ҳаракат қилган.* «ЎзМЭ». *Бадианинг яна «баҳодир» бўлиб юриши Зулфиқор билан Зафарнинг юрагига ғулғула солди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БАҲОДИРЛИК Жасурлик, мардлик, мардонаворлик. *Бу соҳибжамол қиз [Бадиа] олдида от ўйнатиб, баҳодирлигини намойиш қиладиган худодод беклар қани?* Мирмуҳсин, Меъмор. *Баҳодирлик даъво қилиб юрардим, Душманларга шўр ғавғолар солардим.* «Маликаи айёр». *Ёв ичига ёриб кирган жангчиларимиз мислсиз баҳодирлик кўрсатдилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

БАҲОДИРЛАРЧА *рвш.* Баҳодирларга хос, баҳодирлар каби, жасурона. *Мен баҳодирларча бир иш кўрсатай, сиз ёш деманг..* Ҳабибий.

БАҲОДИРОНА *айн.* **баҳодирларча**. *Баҳодирона жанг. Баҳодирона меҳнат.* ▬ *Чўлқуварларнинг баҳодирона юриши улуғ адиб кўз олдида юз бераётган эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Баҳодирона садоқатли ҳур диёр аҳлин, ҳар ишда қалбига сайқал бериб, зиё қиламиз.* Ҳабибий.

БАҲОИЙ, баҳоийя *тар.* 19-асрнинг ўрталарида Эрондаги бобийлар (бобийлик) ҳаракатининг давоми сифатида Ироқда вужудга келган диний-сиёсий оқим ва ушбу оқим тарафдори.

БАҲОИЙЛИК, баҳоизм *тар.* Баҳоийлар таълимоти, баҳоийлик ҳаракати.

БАҲОЛАМОҚ 1 Нарх қўймоқ, пулга чақмоқ. *Дадаси қазо қилганда, Махсумнинг отасидан қарз кўтариб кўмибди. Эчкисини, ерини баҳолаб, қарзига ўтказибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Баҳолаб олмоқ Байлашиб, кўтарасига бай қилиб олмоқ. *У [Йўлчи] чойхонада уйи шу томонда бўлган ва илгари таниш бир одам билан учрашиб, унга ўн минг хом ғишт қуйиб беришни баҳолаб олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Нарса, ҳодиса ёки ҳаракатга баҳо бермоқ, унинг аҳамияти, қадр-қиммати ҳақида фикр билдирмоқ. *Қилмаган хизматимни шундай юксак баҳоладингиз.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *..ўзини билган одам бу гуноҳни катта жиноят деб баҳолайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Илмий кенгаш кашфиётимни кўриб чиқиб, яхши баҳолади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

БАҲОЛАШМОҚ 1 Баҳоламоқ фл. бирг. н. *Молни қанча баҳолашди?*

2 Баҳоси, нархи ҳақида талашмоқ, тортишмоқ; байлашмоқ. *Сизнингча, совчи юбориб, қизингизнинг қалин пулини баҳолашиш керакмиди?* Р.Раҳмон, Меҳр.

БАҲОЛИ I Муайян баҳога, нархга эга бўлган; баҳо, нарх қўйилган; қимматбаҳо.

БАҲОЛИ II [ба.. + ҳол]: **баҳоли қудрат** Қудрати, қурби етганча, қўлдан келганча, имконият даражасида. *Баҳоли қудрат дастурхон ёзилган.* А. Суюн, Олис тонглар. *Хоним, қирқ йилдирки, эшигингизда баҳоли қудрат хизмат қилаётирман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *У адолат ва ҳақиқат учун баҳоли қудрат курашади.* «Ёшлик».

БАҲОЛОВЧИ Баҳо берувчи; нарх қўювчи; қадрига етувчи. *Аслида буюртмачи ҳам, ишингни баҳоловчи ҳам, қабул қилувчи ҳам ўшанинг ўзи эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

БАҲОНА [*ф.* بهانه – сабаб, асоссиз узр] **1** Бирор ҳаракат ёки ниятни амалга ошириш ёки оширмаслик учун ўйлаб топилган сохта, асоссиз сабаб; важ, дастак, рўкач. *Баҳона қилмоқ.* ▬ *Гулнор.. Йўлчига сўзлашга ботинмас, сўзлашув учун бирон баҳона, сабаб қидиришга тиришар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен унга рўйхуш бермай юрдим. Шундай бўлса ҳам, ҳали уни баҳона қилиб, ҳали буни баҳона қилиб кириб юрди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Бошланғич сабаб, боис. *[Бой Ғофирга:] Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга чақиб, орани очиқ қилиб қўйсак, деган эдим.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *[Фотиманинг] Амакиси «қизга кийим-кечак» баҳонаси билан унинг отасидан қолган бор бисотини сотди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кенгашбойнинг суҳбати баҳона бўлди-ю, Убай ўйланиб қолди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Бола баҳона – дийдор ғанимат (иборанинг ўзгарган шакллари: **гул баҳона**.., **ғўза баҳона**..) Бирор баҳона билан бутунлай бошқа мақсадда (хусусан, севгилисини кўриш учун) келган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *Бола баҳона, дийдор ғанимат, деб улар олдинига йигитлар билан ёнма-ён ўтиришга ўрганишади.* Ҳамза. *Ҳа ёқмай кетсин-а, ғўза баҳона-ю, аллакимларнинг дарди ғанимат экан-да, Юлдузхон?* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Гулни баҳона қилиб, ёр кўргани келганмиз.* «Қўшиқлар».

БАҲОНАЧИ Ҳадеб ҳар нарсага баҳона, важ топаверадиган, важ кўрсатаверадиган. *Баҳоначи одам. Жуда баҳоначи бўлиб кетяпсан-да! Ҳа, баҳоначи, яна қандай баҳона топиб келдинг?*

БАҲОР [*ф.* بهار – кўклам фасли] **1** Йилдаги тўрт фаслнинг бири, қишдан кейинги, ёздан олдинги фасл; кўклам (йилнинг март, апрель, май ойларига тўғри келади). *Эрта баҳор. Баҳор қуёши. Баҳор шамоли. Дарё сувини баҳор оширади, Одам қадрини меҳнат оширади.* Мақол. ▬ *У [Гулнор] бугун шод, баҳор унинг нашъасига нашъа, гўзал-*

лигига гўзаллик қўшган. Ойбек, Танланган асарлар. *Баҳор жой танламас экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма* Ҳар нарсанинг (умрнинг, ҳаётнинг) яшнаган, камолга етган пайти, шундай чоғлар рамзи. *Умр баҳори. Ҳаёт баҳори. Севги баҳори. Яхши хотин — ҳамиша баҳор.* Мақол. ▬ *Шу ердадир мардлик, жасорат, Шу ердадир ҳаёт баҳори.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Ахир ёшимиз кетяпти, умр баҳоримиз ўтиб, кузимиз яқинлашиб келяпти, Ҳаётхон!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ғуломжоннинг кўнглида яйраган қувонч баҳори кўзларида жавлон урди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Умрнинг маълум қисми, муддати, ёши. *Бизнинг Нарзимиз ўзининг йигирманчи баҳорини худди шу Молдавия ерида қарши олди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бахтли қизим, мен ўйлаб боқсам, Икки баҳор кўрибди ёшинг.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

4 *кўчма* Қувонч, шодлик, бахт. *Ишқингда мен баҳорлар топдим, Баҳор ичра наҳорлар топдим.* Ҳ. Олимжон. *Сизда бўлган умид, ишончлар, Кунлар келар, яратар баҳор.* Ғайратий.

5 *кўчма* Севги, муҳаббат; умид. *Кимнингдир кўнглида баҳор гуллади. Кимдир кимгадир интизор бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 *кўчма* Севгили, маъшуқа, гўзал ёр. *Гуллаган баҳорим, сени севаман.* У. Исмоилов, Сайланма. *Сўлдимикан гул чечакли баҳорим, Ҳам қишимдан, ҳам ёзимдан айрилдим.* «Нурали». *Хазон этмоқчи бўлмиш, ажратиб фасли баҳоримдан.* «Гулдаста».

7 Баҳор (хотин-қизлар исми).

БАҲОРГИ 1 Баҳорга, кўкламга оид, баҳорда бўладиган, баҳорга мўлжалланган. *Баҳорги экинлар. Баҳорги тошқин. Баҳорги бeғамлик — кузги пушаймонлик.* Мақол. *Баҳорги ҳаракат — кузги баракат.* Мақол. ▬ *Наврўзи олам ўлкамизга ташриф буюргандан бери, барча боғларда баҳорги ишлар қизиб кетди.* Газетадан.

2 *айн.* **баҳори.** *Баҳорги экинлар. Баҳорги ғалла.*

БАҲОРИ(Й) [*ф.* بهاری, بهاره — баҳор фаслига мансуб] **1** Баҳорда экилиб, шу йилнинг ёзида етиладиган (асосан, дон экинлари ҳақида). *Баҳори ғалла. Баҳори экинлар.* ▬ *..баҳори ғалла майсалари инсон меҳнатининг мўъжизакор қудратини кўз-кўз қилиб.. турибди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Аллоф баҳори арпа ўрнига кузгисини берган экан.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Кўкламга мансуб, хос; яшил, ям-яшил.. *Дўстимдир пишқирган баҳорий селлар, Оҳудек талпинган ўйноқи еллар.* Газетадан. *Қанотини камалак қилиб, чарх уради баҳорий қушлар.* «Шарқ юлдузи». *Баҳорий либос кийган бахмал чўл ўзига сайқал берган фидойиларни унутмади.* Газетадан. *Уйга кириб, баҳорий ранг костюмини кийди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Баҳордай ёш, навқирон; мусаффо. *Қуёш васли баҳорий ҳаёт Инсон меҳри билан ошнадир.* Н. Нарзуллаев. *Бу кўзларда туйғунлик, олижаноблик, кўнгилнинг баҳорий тозалиги, илиқлиги.. жилваланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БАҲОРИКОР [*ф.* بهاری‌کار — баҳорга мўлжалланган, баҳорда қилинадиган] Баҳори экинларга мўлжалланган, баҳори экинлар экиладиган; суғорилмайдиган. *Баҳорикор ерлар. Баҳорикор деҳқончилик.* ▬ *Баҳорикор ерларга экиладиган экинлар орасида зарур миқдорда ем бўладиган дон экинлари бўлсин.* Газетадан. *Тошхўжа ўйлаб турди-да, оғилхонадан қари биясини эгарлаб чиқиб, баҳорикор қирлар томонга йўрттириб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

БАҲОРИКОРЛИК Баҳорги экинлар экиш билан шуғулланишлик, баҳорикор деҳқончилик. *Ҳалигача баҳорикорлик районларида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган энг юқори ҳосил олишга эришилди.* Н. Сафаров, Дон.

БАҲОРИСТОН [*ф.* بهارستان — гуллаб-яшнаган боғ] *поэт.* Баҳорларга макон бўлган, доимо яшнаб турган ўлка, мамлакат. *Баҳористон атадим, ўлкам, Тасвирингга бўёқ етишмас.* Т. Ражабий, Ўзбекистон. *Фарғонани бир баҳористонга, бир боғистонга.. айлантириш учун бошланган музаффар юриш давом этяпти.* М. Мансуров, Ойдин йўлда.

БАҲОСИЗ 1 Баҳосини, қимматини ҳеч белгилаб бўлмайдиган, баҳоси йўқ; бебаҳо. *Э-э, нимасини айтасан, баҳосиз одам эдику!* С. Анорбоев, Оқсой. *Одам тухми кўрса, қолмайди қарор, Зулфига боғлаган баҳосиз гавҳар.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Баҳога эга бўлмаган, баҳо олмаган. *Баъзи баҳосиз ўқувчиларнинг чорак баҳосини чиқариш муаммо бўлиб турибди.*

БАҲР I [*а.* بحر – улкан дарё, денгиз] **1** Денгиз; океан. *Бепоён олам, баҳри муҳитлар, ўзи кўрмаган маҳобатли тоғлар, дунё мамлакатлари, номаълум қитъалар.* С. Сиёев, Аваз. *Бир ёнингда эса Севандай баҳр, Мисоли булутлар ичида қамар.* А. Орипов.

2 *кўчма* Олам, дунё; бойлик. *Терди санъат баҳрининг қимматбаҳо инжусидан.* Ҳабибий.

3 *кўчма* Туғён, тўфон. *Булоқларда қайнади ғазабнинг баҳри, Қотилларни совурди ўлканинг қаҳри.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

4 кўчма Меҳр; ишқ-муҳаббат доми. *Йигитлар талтаяр қизлар баҳрига.* «Гулнорпари». *Булбул сайрар тоза гулнинг баҳрига.* «Ойсулув». *Мен тушувдим Нигоройнинг баҳрига, Шунинг-чун борувдим сиз хон шаҳрига.* «Нигор ва Замон».

БАҲР II [*а.* بحر] *ад.* Аруз шеърий тизимидаги ўн тўққизта шеърий вазн гуруҳларидан ҳар бири (*қ.* **аруз**). *Рубоий, аньанага кўра, арузнинг «хазаж» баҳрига мансуб «ахрам» ва «ахраб» вазнларида ёзилади.* «Ўзбек адабиёти».

БАҲР III [*ф.* بهر – баҳра, насиб; фойда] *айн.* **баҳра.** *Навоийнинг санъати зўр назмида, Эл баҳр олур ўз суҳбати, базмида.* Ҳабибий.

Баҳри (*ёки* **баҳридили**)**ни очмоқ** Кўнглини очмоқ, руҳини енгил, кайфини чоғ қилмоқ. *..Оромбахш ҳаво, хушбўй ҳид уларнинг [Саодат билан кампирнинг] баҳрини очмоқда.* И.Раҳим, Ихлос. *Кишининг баҳрини очадиган салқин бир оқшом эди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Эшик очилиб, бирдан ичкарига урган шамолдан бир оз баҳри очилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Майса барглари учида ялтираган шудринг доналари одамнинг баҳридилини очар эди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. **Баҳридан ўтмоқ** (*ёки* **кечмоқ**) Фойдасидан, нафидан, ҳатто ўзидан ҳам воз кечмоқ. *Яхшиси бундай бевош хизматкорнинг баҳридан кечиш керак.* С. Айний, Дохунда. *Бўри полвон пирига ошна бўлмайди. Валихўжа ака, боши олтиндан бўлса ҳам, шу одамнинг баҳридан ўтинг!* Н. Сафаров, Наврўз.

БАҲРА [*ф.* بهره – ҳисса; қисмат; фойда]: **баҳра олмоқ 1** Фойда, манфаат, наф олмоқ. *Дарёлар суви беҳуда оқди. Деҳқон истаганича ундан баҳра ололмади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Баҳра ололдими бир зот юраги? Бирор қалб ғуборин юва олдингми?* Э. Воҳидов.

2 Лаззат, ҳузур, роҳат олмоқ. *Ўзи сувга қонгач, гўё ғўзалари ҳам ундан баҳра олгандек қувонди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи зарур.* Газетадан. *Унинг ҳаёти эса кулги билан суғорилган, ундан баҳра олган, узоқ умр кўрган санъаткор ҳаётидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 *кўчма* Илҳомланмоқ, руҳланмоқ; таълим олмоқ. *Ойбек рус шеъриятига кўп мурожаат қилган, ундан баҳра олган ижодкор эди.* Газетадан. *Олурман баҳра ҳикматли сўзингдан, Сухандонсан, сухандонсан, сухандон.* Ҳабибий. *Нарзи вақти билан ҳаёт мактабидан баҳра олиб, донишманд бўлиши мумкин эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 *кўчма* Озиқланмоқ, тўйинмоқ. *Тупроқ намидан баҳра олиб, чигит бир текис униб чиқди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БАҲРАЛАНМОҚ 1 Баҳра олмоқ; фойда топмоқ, наф, манфаат кўрмоқ, баҳраманд бўлмоқ.

2 Лаззат олмоқ, маза, ҳузур қилмоқ.

БАҲРАМАНД [*ф.* بهره‌مند – омадли; шерик; фойда олувчи; роҳатланувчи] Баҳра олган; бирор манфаат, фойда кўрувчи. *Оламда нимаики бўлса, қуёшдан баҳраманд, унга интилади.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

Баҳраманд бўлмоқ Баҳра олмоқ; бирор фойда, наф кўрмоқ. *..мен бир ҳафтада олти таклама этик тикиб, сиздан олти сўм баҳраманд бўламан.* С. Айний, Қуллар. *Шеъриятни ҳар ким иқтидорига яраша тушунади ва унинг бойликларидан ўзича баҳраманд бўлади.* Газетадан.

БАҲРАСИЗ *айн.* **бебаҳра. 1** *Баҳрасиз қолмоқ.* ▬ *Баҳрасиз илму ҳунардан ҳам муқаррар дангаса..* Ҳабибий.

2 Фойдасиз; тушунмайдиган, дидсиз. *Ҳаводa пайдо бўлган қора булутлар осмон гумбазида сайр этар, баҳрасиз сояларини экинлар устига ташлаб, кўк юзидан бир зумда ғойиб бўлар эди.* Н. Сафаров, Наврўз. *Баҳрасиз олдида, Эркин, Очма кўнгил дафтаринг, Неки ёзсанг, дил сўзини Англаган инсонга ёз..* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

БАҲРИБАЙТ [*а.* بحربيت – баҳр ва байт] Шеър айтишиш ўйини бўлиб, унга кўра тарафлардан бири бир банд шеър айтади, иккинчи бири шу шеърнинг охирги тову-

шидан бошланадиган шеърий банд билан жавоб беради. *Баҳрибайт ўйнамоқ. Баҳрибайт айтишмоқ.* ▬ *Мадрасада Мулла Шомуҳаммад охундан дарс олиб юрган маҳалимда.. баҳрибайт айтишардик.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Сизлар икковингиз баҳрибайт айтишиб ўтиринглар, мен озгина мизғиб оламан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Бир-биридан гўзал, бир-биридан қолишмайдиган. *Донолар баҳрибайт деган эканлар, Кўриб бир-биридан гўзал қизларни.* Т. Тўла.

БАҲРИДИЛ [*ф.* بهردل – кўнгил ҳузури, дил лаззати]: **баҳридилини очмоқ** *айн.* **баҳрини очмоқ** *қ.* **баҳр** III. *Кечаги чангбосди ёмғир табиатга ҳусн бериб кетганидек, одамларнинг ҳам баҳридилини очиб юборди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Чинни пиёладай тоза уй баҳридилингизни очиб, ярақлаб туради.* Газетадан.

БАҲРИН I [*мўғ.* баарин] *этн.* Туркийлашган мўғул қабилаларидан бирининг номи. *1924 йил маълумотига биноан, Ўзбекистонда 9000 га яқин баҳрин яшаган.* «ЎзМЭ».

БАҲРИН II *зоол.* Йиртқич қушлар туркумининг лочинсимонлар оиласига мансуб қуш. *Маҳаллий овчилар уни оқ юзли лочин, шунингдек, баҳрин деб атайдилар.* «Фан ва турмуш».

БАҲС [*а.* بحث – муҳокама; тадқиқот, мубоҳаса] **1** Бирор нарса, ҳолат ёки масалани ёқлаш мақсадида ўтадиган мунозара, тортишув. *Фикр баҳсда қиёмига етади, дейди олимлар.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Баҳс кетаётганда, одатда бақирган томон ютқазади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Одатда фикрлар баҳси бўлган жойда тараққиёт ҳам тезроқ ютади.* Газетадан.

2 Илмий ёки диний адабиётда бирор масала, муаммога бағишланган қисм, бўлим. *Хатиб домла ҳам ушр баҳсини ортиқча узайтирмади, тезда китобни ёпди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 *спрт.* Мусобақа, беллашув. *Республика енгил атлетикачилари йирик баҳсларга қизғин тайёрланмоқдалар.* Газетадан. *Мерганлар баҳсида иштирок этаётган вакилларимиз ҳам бўш келишмаяпти.* Газетадан.

Баҳс очмоқ 1) мунозара очмоқ; 2) сўз очмоқ, гап бошламоқ. **Баҳс қилмоқ** 1) мунозара қилмоқ; талашмоқ, тортишмоқ; 2) *с. т.* бирор масала ҳақида гапирмоқ. *[Ҳасанали] Унар-унмасдан баҳс қилиб, ниҳоят, бу унар-унмаснинг охирига шу саволни ҳам улаб юборди: -Бу гал Марғилонга кечикдингизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БАҲСДОШ Мунозара (баҳс)да биргаликда қатнашаётган шахс; мунозарачи, баҳсчи. *[У] Ўз даъвосини исботлаб бергач, баҳсдоши: «Сеники маъқул» дейишга мажбур бўлди.* Газетадан.

БАҲСЛАШМОҚ 1 Баҳс (мунозара)да қатнашиб, ҳар хил фикрлардан бирини, хусусан ўз фикрини ёқлаб сўзламоқ; тортишмоқ, талашмоқ. *Ботир ёв келганда билинар, чечан – баҳслашганда.* Р. Жуманиёзов, Сўз кўрки – мақол. *Ёшлик, севгисадоқат ҳақида қизғин баҳслашдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Баъзан тўғри келмай қолса дидимиз. Дўстим, баҳслашамиз, ёнамиз лов-лов.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 *спрт.* Мусобақалашмоқ, ғолиблик учун курашмоқ. *Турнирда дастлабки тўрт ўринни эгаллаган шашкачилар.. биринчи лигада баҳслашиш ҳуқуқига эга бўладилар.* Газетадан.

БАҲСЛАШУВ Бирор масала юзасидан ўзаро тортишув, мунозара қилиш. *Бу таклиф баҳслашувга сабаб бўлди.* ▬ *Адабиёт назариясининг кўп масалалари юзасидан ҳали ҳам келишмовчиликлар, баҳслашувлар бор.* «Адабиёт назарияси». *Кўпинча бундай баҳслашувлар даҳанаки жанг доирасидан чиқаёзган кезларда Шерали.. ҳар икки томонни тинчлантирар эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

БАҲСЛАШУВЧИ Мунозара, баҳсга қатнашувчи, мунозара иштирокчиси; низолашувчи. *Поэмада баҳслашувчи томонлар овози етарли даражада кескин ажралиб турмайди.* Газетадан.

БАҲС-МУНОЗАРА [баҳс + мунозара] Тортишувлар, мунозаралар. *Энди, катта мавзулардаги баҳс-мунозаралардан кейин, бу мушкуллик зиғирдаккина кўринди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

БАҲСТАЛАБ [баҳс + талаб] Баҳс, мунозара орқали ҳал қилинадиган, баҳсга сабаб бўладиган, мунозарали. *Хайриддиннинг асарида эса айрим баҳсталаб жиҳатлар бор.* Газетадан.

БАҲСЧИ Баҳс юритувчи шахс, баҳслашишни яхши кўрувчи одам; мунозарачи.

Баҳсчи тўғри айтса ҳамки, ҳақ гапига ён босмай, Дўсти турган паллага тез тушиб олар посанги. Т. Ражабий, Нусхалар.

БАҲУЗУР [ба.. + *а.* حضور – иштирок этиш; келиш, кўриниш] *рвш.* **1** Хотиржам ҳолда, ўнғайсизлик сезмасдан, ташвишдан холи ҳолда, шошилмасдан, бамайлихотир; бемалол. *-Баҳузур ёйилиб ўтираверинглар. Далада ёз палласида ёйилиб ўтириш роҳат,— деди меҳмонларга мурожаат қилиб бой.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу одамлар.. дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайдиган, баҳузур ёнбошлаб ётиб.. бамайлихотир, ҳузур қилиб кулишар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ҳеч қандай қийинчиликсиз; бемалол. *Бу ишни у баҳузур бажаради.* ▬ *Мен ўзига тўқ одамнинг боласиман, отамнинг топгани, ўзимнинг деҳқончиликдан топганим битта қорнимга баҳузур етади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ора узоқ бўлса ҳам, [Мастон кампирнинг] эркакча овози Ғуломжонга баҳузур етиб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 *кесим взф.* Бемалол, рухсат; майли. *-Чекишга қаршилик қилмайсизларими? -Баҳузур.* Ойдин, Суҳбати жонон.

Ўзига баҳузур Ҳеч нарсадан муҳтожлиги йўқ, ўзига тўқ. *У ўзига баҳузур одам.*

БЕ (е – чўзиқ) *унд. с.* Эътироз ёки ажабланишни, норозилик маъносини ифодалайди. *Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бе! Биз нимани тушунамиз. Тушунсак, сиздан сўраб ўтирармидик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Бе, шанғиллаган билан иш битар эканми? – деди Тожибой қўл силтаб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕ- [*ф.* بی – отлардан инкор маъносидаги сифатлар ҳосил қилувчи олд қўшимча, мас.: *беақл, безарар, беқарор*].

БЕАДАБ [бе.. + адаб] **1** Тарбия кўрмаган; тарбиясиз, адабсиз. *Беадаб бола. Адабни беадабдан ўрган.* Мақол. *Беадабдан хайр кутма.* Мақол.

2 Одоб, ахлоқ доирасига сиғмайдиган, адабдан ташқари; қўпол. *Обиджон жуда қўпол ва беадаб бир топишмоқни қичқириб айтган эди, кампир уни қаттиқ қарғади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болалар қочишар экан, одатда никоҳ куни айтиладиган хунук, беадаб сўзларни баланд қичқиришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Хато; адабсизлик. *Беадаб биздан ўтибди, ёр кечирмасми бугун.* «Оқ олма, қизил олма».

БЕАДАБГАРЧИЛИК *с. т. айн.* **беадаблик**.

Беадабгарчилик бўлмаса *айн.* **беадаблик бўлмаса** *қ.* **беадаблик.** *[Рўзимат:] Агар беадабгарчилик бўлмаса, шу сабаблардан биттасини айтиб бермоқчиман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЕАДАБЛИК Одоб-ахлоқ нормаларига сиғмайдиган хатти-ҳаракат, адаб доирасидан чиқиш; одобсизлик. *Э.. Турдиохун мулла, кечиргайсиз, беадаблик ўтибди-ку биздан..* «Ёшлик». *Агар қорнинг очиб, ичакларинг узилаёзса ҳам, овқат сўрамагин. Беадаблик бўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аҳмоқнинг каттакичиги бўлмайди деганларидек, беадаблик ҳам ёшга қарамайди.* «Ёшлик».

Беадаблик бўлмаса *ёки* **беадаблик бўлса ҳам** *крш с.* Айтмоқчи бўлган гапи ёки қилмоқчи бўлган ҳаракати учун бошқаларга ҳурмат юзасидан олдиндан узр сўраш шакли, йўли. *Агар беадаблик бўлмаса, мен ҳам бир-икки оғиз сўзламоқчиман.*

БЕАДАБОНА *рвш.* Тарбия кўрмаган кишилардек, одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилмаган ҳолда; беадабларча. *..уни шоҳ қизига тама қилишда ва олий зотларга беадабона муносабатда бўлишда айблаб, эртага тошбўрон қилиб ўлдирмоқчилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БЕАДАБЧИЛИК *с. т.* **1** *айн.* **беадаблик.** *Беадабчилик қилмоқ.* ▬ *-Ўртоқ Сафаров, мендан ўтди, сизнинг олдингизда беадабчилик қилдим, – деди [Бўтабой].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *айн.* **беадаб 2**. *Эй қариндошларим, бундай беадабчилик сўзни сўзламангизлар, подшо ҳақиқий худонинг ўзи.* «Юсуф ва Аҳмад». *Юсуфбек йигитларга қараб: -Бундай беадабчилик сўзни сўзламанглар, – деди.* «Юсуф ва Аҳмад».

БЕАДАД [бе.. + адад] Катта миқдорли, сон-саноқсиз, бениҳоят кўп, беҳисоб. *Шоирларнинг дарди ҳам, қувончи ҳам беадад.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Ўлкамизнинг табиати ўзига хос. Ҳатто сувда ҳам беадад бойлигимиз бор.* Газетадан. *Ўрта Осиё ўрмонларини шимолдаги беадад ўрмонларга қиёслаб бўлмайди.* «Фан ва турмуш».

Жаҳли беадад Жуда кўп, керагидан ортиқ жаҳл. *Мана, тақсир, ҳали каминани гапир-*

дилар, бизга жаҳли беадад қилдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БЕАЁВ *рвш.* Раҳм-шафқат қилмай, омон бермай; аямасдан, аёвсиз, шафқатсиз. *Қани шерлар, олға томон, ғалаба томон! Душманларни даҳшат билан қувинг беаёв.* Ҳ. Олимжон. *Муротали ишёқмасларга беаёв эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шабада эсиб турган бўлса ҳам, қуёш беаёв ўт пуркайди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

БЕАЁВЛИК Шафқат нима эканини билмаслик; шафқатсизлик, аёвсизлик. *Табиат ва инсон юзма-юз қолган эди. Кимсасиз чўл беаёвлигини кўрсатди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БЕАЖАЛ [бе.. + ажал] Ажали, вақт-соати етмасдан; ажалсиз. *Сенга насиҳатим шулдир, қулоқ сол, Асло ҳеч ким ўлмас, болам, беажал.* «Маликаи айёр». *Шоҳнинг ғазаби келса, қаландар, Беажал ўласан, келган меҳмонлар.* «Маликаи айёр».

БЕАЖИН Ажин тушмаган; ажинсиз. *..ошпазнинг бўтқа сачраган этигининг учидан тортиб силлиқ, беажин, тор пешонасигача разм солиб чиқди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

БЕАЗИЯТ [бе.. + азият] *рвш.* Ҳеч қандай азият чекмасдан, ҳеч бир қийинчиликсиз, осонлик билан; беозор, бемашаққат. *Беазият топилган пул суд қилмас.* Мақол.

БЕАЗОБ [бе.. + азоб] Азобсиз, қийинчиликсиз; машаққатсиз. *Бир кун келадики, бу золим фалак Бир қултум сувни ҳам бермас беазоб.* Умар Хайём, Рубоийлар.

БЕАЙБ [бе.. + айб] **1** Гуноҳи, айби йўқ; айбсиз, бегуноҳ. *Беайб одам.* ▬ *Беайб фуқаро кетди қутулиб.* «Нигор ва Замон».

2 Камчилиги йўқ, нуқсонсиз; беиллат. *Ҳар иш қилсанг, Ҳабибий, пухта қил, беайбу бенуқсон.* Ҳабибий.

Беайб парвардигор Айби, нуқсони бўлмаган ҳеч банда йўқ, деган маънода ишлатиладиган ибора. *-Беайб парвардигор,— деди Тунқотар. — Банда ҳамиша маъзур ва хатолидир, тақсир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БЕАМАЛ [бе.. + амал] **1** Амали, лавозими йўқ, лавозимсиз. *Кишим йўқ, давлатим йўқ, камбағалман, Яроғ йўқ, мансабим йўқ, беамалман.* Ҳабибий.

2 Ҳеч нарса билан шуғулланмайдиган, ишсиз; танбал. *Қизи ўн бешдан ошмай эрга берган ваҳший мардумни — ..беамал муллани ер ютсун.* «Ўзбек шоиралари».

БЕАМР [бе.. + амр] *рвш.* Амр-фармон бўлмасдан, ҳали буйруқ олмасдан; рухсатсиз. *Беҳуда сўзлаб турмагин менга, Подшодан беамр очмайман сенга.* «Рустамхон». *Ҳақдан беамр иш бўлмас, Ажал етмай чивин ўлмас.* «Муродхон».

БЕАНДАЗА [бе.. + андаза] **1** *рвш.* Андазадан фойдаланмасдан; андазасиз. *Кийимни беандаза бичмоқ. Беандаза кийим.*

2 *сфт. кўчма с. т.* Ўхшовсиз, беўхшов. *Ё гапим беандазами?* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *сфт. кўчма с. т.* Чекини, меъёрини билмайдиган, қуюшқондан ташқари бўлган; ҳаддан ошириб юборадиган. *Йўқ, таажжубланманг, чунки беандаза редактор бундан нарига ўтолмаса, нима қилсин.* «Муштум». *Ҳаттоки балғамим сендан тозадир, Сенинг ифлослигинг беандазадир!* «Шарқ юлдузи».

БЕАНДИША [бе.. + андиша] Андишани билмайдиган, уялиб-нетиб ўтирмайдиган; андишасиз. *Саидий Мирза Муҳиддинга нисбатан Муҳаммадражабнинг адабсизлигидан хижолат бўлар, ичида «юзсиз, беандиша» дерди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Исфандиёрнинг беандиша мулоҳазаси бош вазирга оғир ботди.* С. Сиёев, Аваз.

БЕАНДИШАЛИК Андишага риоя қилмаслик, андишасизлик. *Нусратбек хотинидан бу қадар беандишалик, йўқ, шафқатсизликни кутмаган эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Назар Рўзининг беандишалик билан айтган сўзидан Ёдгорбекнинг ғаши келди.* «Ёшлик». *Баъзи аёллар баланд ҳуқуқи, оналиги, аёллигини пеш қилиб, беандишалик, беҳаёлик кўчасига кириб оладилар.* М. Алавия, Болаларингизнинг отаси.

БЕАНДУҲ [бе.. + андуҳ] Ранжимасдан, шикоятсиз. *Оналар биздардан бир зумда кетмас, йўқ, Улар узоқлашар оҳиста, беандуҳ.* М. Мирзаев, Оналар кетмоқда.

БЕАРАЗ [бе.. + араз] Араз қилмасдан, хафалашмасдан, ранжимасдан. *Баҳслаша берайлик холис, беараз, Токи баҳсимиздан гулласин жаҳон!* Шукрулло, Баҳслашув.

БЕАРМОН [бе.. + армон] **1** Барча орзу-умидлари рўёбга чиққан; армони қолмаган, армонсиз. *Беармон одам. Беармон яшамоқ.* ▬ *Кошки эди сўнг қўлингда эркаланиб берсам жон. Сўнгги нигоҳ сенда қолса, мен кўз юмсам беармон.* Зулфия.

2 *рвш.* Роса тўйгунча, мириқиб, қониқиб. *Чиндан ҳам ҳар бир тўйда тўполон қилиб,*

беармон ўйнаб-кулишга ўрганган болалар бу «улуғ тўй»дан норози эдилар. Ойбек, Танланган асарлар. *Хайр, эй, беармон кезган қирларим. Хайр, эй, йироққа қочган сўқмоқлар.* А. Орипов.

БЕАСО [бе.. + *а.* عصا – таёқ, ҳасса] Қўлида ҳассаси бўлмаган; таянчсиз, суянчиқсиз. *Борсанг кўйиға, қосидо, айтгил Муқимийдин дуо, Баским заифу беасо, мен мубтало қайга борай?* Муқимий. *Менга чечан десам, сўзга ҳам чиқдинг расо. Сўз тополмай лол қолдим, кампирдайин беасо.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

БЕАСОРАТ [бе.. + асорат] Ҳеч қандай таъсири, асорати қолмасдан, асоратсиз. *Комилжон Назирага тиббий ёрдам бериш йўлларини излади, унинг беасорат соғайиб кетишини ўйлайди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БЕАХЛОҚ [бе.. + ахлоқ] Ахлоқ-одобга амал қилмайдиган; ахлоқи ёмон; ахлоқсиз.

БЕАХЛОҚЛИК Ахлоқ-одобдан маҳрумлик.

БЕАҚЛ [бе.. + ақл] **1** Онги, фаҳм-фаросати паст; ақли йўқ; ақлсиз. *Беақлнинг оҳи йўқ, Боғламоққа шохи йўқ.* Мақол. *Ақлни беақлдан ўрган.* Мақол. ▬ *Беақл йўлдошдан яхшидир таёқ.* «Муродхон».

2 Ақл ишлатмасдан, ўйлаб ўтирмасдан қилинган; аҳмоқона, номаъқул. *Беақл гап. Беақл маслаҳат.*

БЕБАДАЛ [бе.. + бадал] Бадалсиз, ўрнини алмаштириб бўлмайдиган; қўлдан кетган, фойдасиз. *Қайлардасан, бебадал имкон, Қайлардасан, бетакрор қудрат.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

БЕБАРАКА [бе.. + барака] Унуми кутилган даражада бўлмаган, баракаси йўқ; баракасиз. *Бебарака овқат.* ▬ *Бўйдоқ юраверсанг, ишинг бебарака, рўзғоринг бефайз бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Оила бошлиғини ҳамма бебарака дерди. Балки онаси шунинг учун куйиб кетгандир.* «Ёшлик».

БЕБАРКАШ [бе.. + баркаш] Хоҳлаганча, ўлчамасдан; чексиз. *Эрали, Шерали.. бебаркаш ем бериб, уларга [отларга] муносиб абзаллар тузатиб, олти ой боқди.* «Эрали ва Шерали». *Жисмимда иситма тобидин оташдур, Жонимға балоу ғусса бебаркашдур.* Бобур.

БЕБАРОР [бе.. + барор] Ҳеч қандай фойда келтирмайдиган; тарбиясиз, ёмон. *Бебарор ўсган ўғилдан қилиқли ўсган қиз яхши, дейдилар.* Т. Сулаймон, Интизор.

БЕБАХТ [бе.. + бахт] *айн.* **бахтсиз.** *Бебахт қиз.* ▬ *Бебахт Зубайда! Шу қўшиқни яхши кўрар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Мутавалли Руҳилло хонадонидаги ўша бебахт кунлари ёдига тушса, юраги орқага тортиб кетарди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

БЕБАҚО [бе.. + бақо] Тез ўтиб кетадиган, доимий, абадий турмайдиган, сақланмайдиган; ўткинчи. *Бебақо дунё.* ▬ *[Ҳусайн:] Тахт бебақо, дунё бевафо.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *-Илло, бу бебақо дунёда фақат ҳақ сўз боқий қолур, – деди Бобур Мирзо.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

БЕБАҲО [бе.. + баҳо] Ҳеч баҳолаб, баҳосига етиб бўлмайдиган, ўта қимматли; баҳосиз. [*Навоий*:] *Сенга беш бебаҳо ҳайкал қурурмен. Гаҳи Лайли, гаҳи Ширин бўлиб сен, Яшарсен доимо достонларимда.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз, Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.* Ғ. Ғулом. *Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладиган бир дурри бебаҳодир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЕБАҲРА [бе.. + баҳра] **1** Баҳра (фойда, лаззат) олиш ҳуқуқидан ёки имкониятидан маҳрум бўлган; баҳрасиз. *Хуллас, у болалигида отасиз қолиб, ота меҳридан бебаҳра ўсган эди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Бошқа йигитлар қатори, Набижон ҳам Нафисани севиш бахтидан бебаҳра қолмади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 Фойда бермайдиган, фойдаси йўқ, фойдасиз. *Бевафо дўстдан таёқ яхши, бебаҳра гулдан япроқ яхши.* Мақол. ▬ *Бебаҳра гиёҳдан яхшидир япроқ, Муҳаббатсиз гулдан ортиқдир тупроқ.* «Муродхон».

БЕБИЛИСКА *с. т.* **1** Осонлик билан, меҳнат-машаққатсиз топилган; текин ва ҳисобсиз. *Бебилиска даромад.* ▬ *Отасининг паноҳида бебилиска пул билан ҳаёт кечирган Шокир ичи қора бир одам эди.* Ҳ. Нўъмон, Фасллар. *[Насимжон] Бебилиска пул топишга одатланиб, хизматини тарк этади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бебилиска пул топишга ўрганиб қолган Исмоилов кўп вақт дами ичида юрди.* Газетадан.

2 Пала-партиш, бетартиб; режасиз. *Шундай фактлар ҳам борки.. суғориладиган ерлардан бебилиска фойдаланилмоқда.* Газетадан. *Баъзан металл нақадар бебилиска сарфлаб юборилаётганини айтмайсизми!* Ш.

Рашидов. *Душман пулемёти бебилиска ниқобланганидан, артиллериямиз овозини ўчиришдан ожиз эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БЕБИЛЧАК *шв.* Оёқ юзининг дўнг жойи. *Туфли бебилчагимни сиқяпти.* ▬ *Аскар оёғини кўтариб, бебилчагини пешонасига текказди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

БЕБОЗОР [*ф.* بی‌بازار – бозорсиз, бозор бўлмаган]: **бебозор кун** Бозор кунидан бошқа кун; бегим куни. *Бу ерда бозор кунлари билан бебозор кунларининг фарқи сезилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕБОК [*ф.* بی‌باک – қўрқмас, жасур; қўпол, дағал] Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳеч қандай ножўя ишдан қайтмайдиган, ҳайиқмайдиган; тап тортмайдиган; шум, баттол. *Ярим кечаси «Ўғлон азиз» қабристони ёнида уч бебок, номаълум қароқчи йўл устида пайдо бўлибди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Ёмон йўлда адабсиз юрса ким бебоку беҳуда, Топиб бир кун гирибонидан олмоққа бало истар.* Ҳабибий.

БЕБОШ 1 Боши (калласи) йўқ; боши кесилган, бошсиз. *Бир севгини айларканман фош, Истамасман, севгингиз асло Ҳайкал каби бўлишин бебош.* Сайёр.

2 *кўчма* Ақлсиз, нодон. *Мен бебош қулингизни маъзур тутинг.* «Шарқ юлдузи». *Дадажон, бебош ўғлингизни кечиринг, начора, дунёга сизларни ғам-ғуссага ботиргани келган эканман.* К. Яшин, Ҳамза.

3 *кўчма* Тўғри маслаҳатга юрмайдиган; ҳеч кимга қулоқ солмайдиган; гапга кирмайдиган; қулоқсиз; тарбиясиз. *Неча кундан бери акангни кириб кўр, дейман, бу бебош уяламан, деб ҳеч кирмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Азизхон бебош, ерга урса кўкка сапчийдиган, қилиш-қилмишидан элга нафи тегмайдиган бебошвоқ йигит.* У. Норматов, Талант тарбияси. *..ёшлигим ҳам бебош ўтган. Ахир, бебош йигитга ким ҳам кўнгил қўярди, – деди Усмон.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

4 *кўчма* Тарбия-интизомга бўйсунмай қўйган; итоатсиз, ўзбошимча. *Подшоҳларини бекор қилган Россия халқи.. жуда бебош бўлиб кетган, ҳозир ҳукумат бошида ўтирганларга ҳеч ким итоат қилмайди.* С. Айний, Қуллар. *Ғузор фуқароларига маълум бўлсинким, тоғу тошларда қочиб юрган бебошлар келиб, Бек жанобларининг оёқларига йиқилсалар, афв этурлар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳозирча исён туғини кўтариб келган бу бебошларнинг гапига кўнишдан бошқа илож йўқ.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

5 *кўчма* Ёмон йўлга кирган, ахлоқи бузилган. *Отаси, қандайин нозанин жувон тўғри келса ҳам, кўз қирини ташламасди. Бу бебош бўлиб кетди, тиядиган кишиси бўлмади.* Ойдин, Ҳикоялар. *Шундай бебош бўлиб кетди қизгинанг, Ота-эна фарзандини тиймайми?* «Гулнорпари».

6 *кўчма* Тийиб, тўхтатиб, қайтариб бўлмайдиган; жиловсиз. *Бебош шамол. Бебош дарё. Бебош тўлқинлар.* ▬ *Амударё дали – телба дарё, бебош дарё дейишади.* Раҳим Бекниёз. *Бебош изғирин бу кенг даштда елибюгуради.* Ҳ. Шамс, Душман. *–Сесканиб уйғониб кетдим. Ўрнимдан туриб ўтирдим, бебош хаёл мени олиб қочди, – деди Нафиса.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

БЕБОШБОҒ *айн.* **бебошвоқ.**

БЕБОШВОҚ 1 Бўшатиб, ечиб юборилган, бошвоқсиз. *Бебошвоқ мол.* ▬ *Сигир жониворни йил-ўн икки ой бебошвоқ қўйдингми – тамом, ундан қўлингни ювиб, қўлтиғингга уравер.* Ў. Умарбеков, Юрак сўзлари. *Бизнинг даргоҳга яқин жойда икки яшар чамали бир ола танача бебошвоқ ўтлаб юрар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма айн.* **бебош 3**, **4**, **5**, **6**. *Бетончиларимиз орасида бир-иккита бебошвоқ болалар бор, улар кўпинча одамларни ишдан қўйиб, сандироқлаб юради.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Азизхон.. элга нафи тегмайдиган бебошвоқ йигит.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Чақмоқдай бебошвоқ, тошқиндай бераҳм, Лекин кўзларингда бир олам ҳаё.* Миртемир.

БЕБОШЛИК 1 Эркинлик, шўхлик; ақлсизлик; тарбиясизлик. *Ёшлик – бебошлик.* Мақол. ▬ *Нурли чеҳрангизда қолдиргандир из Болалигимизнинг шўх бебошлиги.* А. Мухтор, Асарлар. *Вой ўлай, шотини олиб қўйиш эсимга келмаганини қаранг.. Ҳой қиз, тушинг. Бундай бебошлик қилманг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўзбошимчалик, қонунсизлик. *Амалда сиз айтгандай қилинса, бебошликка катта йўл очилади, ҳаммаёқ анархия бўлиб кетади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

БЕБУРД [бе.. + бурд] **1** Бир гапда турмайдиган, ваъдасининг устидан чиқмайдиган; тайинсиз, субутсиз. *Бебурд одам. Бебурд бўлмоқ. Нодондан ақл кутма, бебурддан*

– *номус.* Мақол. ▬ *Олманинг оқидан кўки яхшироқ, Ёрнинг бебурдидан йўғи яхшироқ.* «Қўшиқлар».

2 Тутуриқсиз, маъносиз, бемаъни. *Бебурд гап. Беҳуда ҳаракат бебурд қилар.* Мақол.

БЕБУРДЛИК Сўзида, ваъдасида турмаслик; тутуриқсизлик. *Жамоамиз бунинг бемаъни иш эканини дарров пайқайди, қурилиш бошқармасининг бебурдлиги.. деб англайди.* А. Мухтор, Туғилиш.

БЕВА [*ф.* بیوه – эри ўлган ёки талоқ қилинган хотин] Эри ёки хотини ўлган ва бошқа турмуш қилмаган; тул. *Бева чол. Бева хотин. Номарднинг хотини бўлгунча, марднинг беваси бўлган яхши.* Мақол. ▬ *Домла бундан уч йил бурун бева қолиб, унга гоҳ синглиси, гоҳ узатган қизи қараб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *Балки қаршингизда келгандир мунис, Бева келинчакнинг сўник рухсори.* А. Орипов.

БЕВА-БЕЧОРА Қаровчиси йўқ, ғамхўрликка муҳтож, ночор кишилар. *Мардикор, аҳли косиб, бева-бечора ўз қорнини тўйдирса, бас-да!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ахир бу кўзлардан оққан жигар қонлари, бева-бечора, етим-есирларнинг оҳу зорлари кўнглингизни юмшатмайдими?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

БЕВАЖ(Ҳ) [бе.. + важ(ҳ)] *рвш.* Бирор сабаб, асос бўлмагани ҳолда; важсиз, сабабсиз. [*Ҳайитжон Тўлахонга*:] *Қўй, қизим, йиғлама. Расми, ота-она, ака деган беваж шунақа қилмайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

БЕВАЛИК Эрсизлик ёки хотинсизлик ҳолати; эрсиз ёки хотинсиз ўтаётган умр. *Энди, тақсирим, бевалигим ҳам жонимга тегди.* Ҳамза. *Бевaликда не ҳасратда катта қилганман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

БЕВАСИҚА [бе.. + васиқа] **1** Ҳужжати йўқ; васиқасиз. *Бевасиқа уй.*

2 *кўчма с.т.* Бурдсиз, лафзи йўқ, бетайин. *Бевасиқа одам.*

БЕВАТАН [бе.. + ватан] **1** Уй-жойи, бошпанаси, ватани йўқ; дарбадар. *Суҳбатнинг охирига бориб, Полвон ўзини жуда эркин ҳис қилди, «бу яхши одам экан, беватан, бечора экан», деб қўйди ичида.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Рустамов қайси ҳовлида туради? – У саёқ, беватан.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ўз элидан, ватанидан ажралган, мухожир, ватангадо. *Не гуноҳим бор экан, Душманлар қилди беватан.* «Оқ олма, қизил олма».

3 *тар.* Хива хонлигида заминдорлардан ёки давлатдан ижара ер олиб, ўша ерда ишлаган деҳқон.

БЕВАФО [бе.. + вафо] **1** Аҳд-паймонни бузувчи; садоқатсиз, вафосиз. *Бевафо ёр. Бевафо дўстдан таёқ яхши, бебаҳра гулдан япроқ яхши.* Мақол. ▬ *Асло бевафога берманглар кўнгил, Бағрингни қон этиб кетади бир кун.* «Қўшиқлар».

2 *кўчма* Ҳеч кимга абадий берилмаган, вафо қилмайдиган, вафосиз; ўткинчи, бебақо. *Эй дунёйи бевафо! ..Шу йигитдан бир қатра бахтни аядингми!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ки дунё бевафодур, бевафодур, Кўнгул қўймоқ анга айни хатодур.* «Таашшуқнома».

БЕВАФОЛИК Ўз аҳдида, ваъдасида турмаслик, вафо қилмаслик; хиёнат, садоқатсизлик. *Ўз навбатида, у ҳам бир қизнинг бевафолигидан шикоят қилиб, пича ёш ҳам тўкди.* А. Қаҳҳор, Сароб. [*Жамила Ғофирга*:] *Хайр, Ғофиржон, бир умр хайр! Сенга бевафолик қилмайман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

БЕВАҚТ [бе.. + вақт] *рвш.* **1** Одатдаги, белгиланган вақтдан илгари, вақт-соати етмасдан. *Бевақт ўлим.* ▬ *Қурбон ота яна неча йиллар эшоннинг хизматида бўлиб, бевақт кучдан қолди.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Қодир оллоҳ, сен биласан ҳолимни, Доно эгам, бевақт берма ўлимни.* «Маликаи айёр».

2 Ноқулай, номатлуб вақтда; бемаврид. *Бевақт келиб, сизларни йўлдан тўхтатдимми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мансур бевақт кирганидан хижолат чекиб, ҳамон эшик орқасида турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Кеч тунда; бемаҳал. *Бевақт йўл юрма.* ▬ *Бевақт бўлиб қолганидан ўша ерда тунаб қоладиган бўлишди.* С. Аҳмад.

БЕВОСИТА [бе.. + восита] *рвш.* Бирорбир воситасиз, ёрдамсиз, тўғридан-тўғри. *Муҳокамада бевосита қатнашмоқ. Ишга бевосита раҳбарлик қилмоқ.* ▬ *Сўз бойлиги боланинг хотираси билан ҳам бевосита боғлиқ.* "Саодат". *Ахир, у бевосита энг юқорига бўйсунади.* "Шарқ юлдузи".

БЕВОШ *с.т. айн.* **бебош 3-6**.

БЕВОШЛИК *с.т. айн.* **бебошлик**.

БЕГЕМОТ [*қад. яҳ.* behemoth – сув оти] Тропик Африка кўл ва дарёларида, шунингдек, уларнинг атрофида яшайдиган,

териси қалин йирик сутэмизувчи ўтхўр ҳайвон; сув айғири.

БЕГИМ: бегим куни *шв.* Белгиланган бозор кунларидан бошқа кун. *Э ўғлим, булар бозор куни халқни алдайди, бегим куни бир-бирини алдайди.* «Муштум».

БЕГИМСУЙДИ Пўстида тарам-тарам белгиси бор қовун тури. *..докторларнинг елкасидаги халталар бегимсуйди қовуннинг пўстига ўхшаб йўл-йўл эди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

БЕГОЙИМ *айн.* **бек ойим (***қ.* **бек** I) *Шошмай турсанг, бегойим.. остимда гижинглаган отим ҳам бўлади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

БЕГОНА I [*ф.* بیگانه – қариндош ёки таниш бўлмаган; ёт] **1** Қариндошлик ёки бошқа жиҳатдан бир тоифадаги, гуруҳдаги кишилардан четда турувчи, уларга муносабати бўлмаган; ёт. *Менга бегона бўлсангиз, ўғлингизга бегона эмассиз-ку.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йўлчи учун бу қиз энди бегона эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Элмурод унинг ёнида ўтирар ва беихтиёр унинг чиройли кўзларига дамба-дам қараб қўяр, назарида, Фотима тобора узоқлашиб, тобора ёт ва бегона бўлиб бораётганга ўхшар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Бегона қилмоқ 1) ўзидан узоқлаштирмоқ, ёт кишилар қаторига ўтказмоқ; 2) *кўчма* четга кеткизмоқ, бировнинг қўлига, ихтиёрига ўтказиб юбормоқ. *Агар бундан кейин ҳам насияга гўшт олмоқчи бўлсалар, савдони бегона қилмай, менинг олдимга келаверсинлар.* «Латифалар». *Ақлни бегона қилманг! Агар чора кўриш лозим бўлиб қолса, мен бу ерда.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал.

2 Тегишли бўлмаган, четдан келган; чет. *Тунлари ҳар ҳовли эшигида ўша ерда яшовчилардан навбатчилар тайинланади – бегона кирмасин.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бир ерга янги келган бегона одам дарров ҳаммани таний олмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ўзгаларга тегишли, нотаниш; ўзга. *Бегона шаҳар.* ▬ *Мана энди, бегона кўз, бегона қулоқнинг йўғида учови хохолашиб, оғиз-бурун ўпишиб келаётир.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аёл.. бегона тилда гаплашувчиларга тикилиб, ранги ўчиб, ўрнидан турди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Уларнинг [меҳмонларнинг] гаплари, муомалалари, юриш-туришлари Йўлчига тамом бегона туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Хабари бўлмаган, кўрмаган, билмаган; ёт. *Ҳаётнинг дағал муомаласидан бегона, фақат унинг чучук сўзларинигина тинглаб келган Отабекка бу хўрлик турмушдан биринчи зарба эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аммо Унсиннинг кўнгли ўйин-кулгини кўтармас, шодлик унга бегона эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бегона ўт Одамлар экмайдиган, аммо маданий экинлар орасида тасодифий уруғдан кўкариб чиққан ёввойи ўт. *Ердан яхши унум олиш учун ернинг бегона ўтлардан тозаланиши, кузда чуқур чопилиши, гўнг солиниши каби масалаларга кўп аҳамият бериб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БЕГОНА II Бекларга, беклар наслига хос бўлган, дабдабали, ҳашаматли; бекларча.

БЕГОНАЛАШМОҚ Қариндошлардан, яқин кишилардан узоқлашмоқ, ёт кишидек бўлиб қолмоқ. [*Кумуш*] *Кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Саидий ҳануз Мунисхондан бегоналашиб кетгани йўқ.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БЕГОНАЛИК 1 Бегона кишининг ҳолатига тушишлик. *У [Элмурод] кун сайин ака-ука, ёр-оғайнига айланиб бораётган кишилар орасида ўзининг бегоналигини унута борди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аввалига ётсираш, бегоналик уни қийнади. Кейин эса Мирзони одамларнинг ўша баланд тоғлардек улуғ қалби, покизалиги ўзига ром қилиб олди.* «Ёшлик».

2 Ёт, чет кишиларга хос бўлган муносабат. [*Гулсумбиби*:] *Бегона ҳар вақт бегоналигини қилади. Қизим бахтли бўладими, ўтда ёнадими, Мирзакаримбойга бари бир.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕГОНАСИРАМОҚ Ҳали ўрганиб улгурмаган, нотаниш, ёт кишилар ўртасида ўзини бир қадар ноқулай сезмоқ, ўзини ёт ҳис қилмоқ. *Бола Нормат полвонга бегонасираб қаради.* «Ёшлик». *Иккинчи она ва унинг болалари Очилга ёмон кўз билан қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда, у бегонасирар, сал нарсани кўнглига олиб ўксир эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

БЕГОР [*ф.* بیگار – мажбурий ва бепул хизмат] *шв.* Мажбурий хизмат, ҳашар (ўтмишда хон-беклар томонидан камбағал фуқарони бепул ишлатиш усули). *Хоннинг фармонига кўра, ҳар ким бегорда ўн икки кун текинга ишлаб бериши керак эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

БЕГУМОН [бе.. + гумон] *рвш.* **1** Гумонсиз, шак-шубҳасиз; бирор фикр, нарса-ҳодисага шубҳаланмай ишонишни англатади. *Бегумон билдим, Ҳабибий, бор экан меҳру вафо.* Ҳабибий.

2 Ўйлаб, гумонсираб ўтирмасдан. *Ҳовлига келди азиз меҳмон, Чопа келинг бегумон.* «Нурали».

БЕГУНОҲ [бе.. + гуноҳ] Гуноҳи, айби, жинояти йўқ; гуноҳли иш қилмаган; айбсиз, гуноҳсиз. *Бегуноҳ гўдак.* ▬ *Бегуноҳ мўминларни ўлдиравериб, жаннатни ҳам тўлдириб қўйдингиз.* «Латифалар». *Бегуноҳ гўдакка ўхшарди у. Бундан беш йил илгариги каби ҳамон мунис эди.* «Ёшлик».

БЕДА Дуккакдошлар оиласига мансуб, бир ва кўп йиллик ўсимлик. *Ҳўл беда. Беда сепмоқ. Беда ўрмоқ.* ▬ *Супа, чорпоя атрофларида янги ўрилган беда ҳиди гупириб анқиди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БЕДАВ [*ф.* بدو – югурик, учқур *ёки а.* بدوى – саҳройи от] **1** Учқур, ўйноқи (от ҳақида). *Кун ҳисобин ой олар, бедав ўрнин той олар.* Мақол. *Бедав бойловда семирар, Қўйқўзи – яйловда.* Мақол.

2 *кўчма* Қаттиқ эсувчи, шиддатли. *Туркман чўлларининг бутун тақдири Бедав қуюнларнинг измида қолди.* Ғ. Ғулом.

БЕДАВЛАТ [бе.. + давлат] Бойлиги, давлати йўқ; камбағал, қашшоқ. *Бедавлат бозорга борса, шум хабар келтирар.* Мақол.

БЕДАВЛАТЛИК Камбағаллик, қашшоқлик, фақирлик. *Бедавлатлик бўлган сўнг, Қариндошлар ғаш бўлар, Бадавлатлик бўлган сўнг, Бегоналар дўст бўлар.* Мақол.

БЕДАВО [бе.. + даво] **1** Давоси йўқ, тузалмайдиган, тузатиб бўлмайдиган. *Тоҳиржон киноя билан жилмайди: «Меники бедаво дард, укам. Бирон кун енгилланиш йўқ».* Ойбек, Танланган асарлар. *«Ҳамма дардга бор даво, ошиқнинг дарди бедаво», дебди шоир.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Дарди бедаво 1) давоси йўқ, тузалмас касаллик. *Вафосиз ёр, деб тушдим бу дарди бедаволарга, Ўлимнинг ваҳмидан ҳардам юрак тўлганга йиғлайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари; 2) *кўчма с. т.* тузатиб, эпақага келтириб бўлмайдиган (иш, нарса ёки одам); дахмаза. *Бу жуда дарди бедаво иш бўлди-да!*

2 *кўчма с. т.* Кўриниши хунук, ёқимсиз; чиройлининг акси. *Эрим қиморвоз бўлса ҳам, чўтир, бедаво бўлса ҳам, ёмон эмасди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Чиройлимисан? Ҳа, ҳа, хунуксан, бедавосан! Бўйнингга ол, хунукман де!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Туркийда келтирибдурларким: «Қўнса давлатнинг қуши бир бедавонинг бошиға, Кўргали келгай Сулаймон ул гадонинг қошиға».* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БЕДАЗОР Беда экилган, беда ўсиб турган майдон; бедапоя. *Улар пича юриб, тўрт-беш таноб жойни ишғол этган бедазорга чиқишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бедаланарнинг парвозни унутиб, семириб кетганлари йўрғалаб, бедазорга ўрмалаб кириб кетишди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БЕДАКОР Беда экиш билан шуғулланувчи, беда етиштирувчи.

БЕДАКОРЛИК *айн.* **бедачилик.** *Хўжаликларда бедакорликни қатъий суратда яхшиламоғимиз.. керак.* Газетадан.

БЕДАНА 1 Товуқсимонлар туркумининг қирғовулсимонлар оиласига мансуб парранда, кичик сайроқи қуш. *Урушқоқ бедана. Тезотар бедана. Салмоқи бедана. Бедананинг «вит» дегани – қочгани.* Мақол. *Ўтлоқда бедана кўп, дангасада – баҳона.* Мақол. *Бедананинг уйи йўқ, қайга борса – битбилдиқ.* Матал.

Бедана юриш Майда қадам ташлаб, тез-тез юриш. *Бегимхон гузардан тезлаб ўтиб, катта йўлдан бедана юриш қилиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аппончи бедана юриш қилиб, гўрковнинг олдига ўтиб, йўл бошлади.* «Ёшлик».

2 Шу қушнинг гўшти (овқат сифатида). *Бедана билан каклик еб, бизга зоғ қолдирасиз.* «Аския».

БЕДАНАБОЗ Бедана асрашни ва уриштиришни яхши кўрадиган шахс, бедана ўйновчи. *Беданабоз одам.* ▬ *Бир ой ўтар-ўтмас туппа-тузук беданабоз бўлди-қўйди.* С. Нуров, Нарвон. *Боз-боз, дорбоз, найрангбоз, бачабоз, қиморбоз, беданабоз, каптарбоз каби бозларни манъ қилсангиз, менга иш топиб бер, дейдиган кўпаяди-қолади.* «Луқмони Ҳаким».

БЕДАНАМАШАК, беданамошак Балиқчилар туркумининг лойхўраклар оиласига мансуб қуш. *Беданамашак тунги қуш бўлиб, кечаси овга чиқади; чувалчанглар, ҳашарот, қисман ўсимликлар билан овқатланади.* «ЎзМЭ».

БЕДАПОЯ *айн.* **бедазор**. *Намозшомда бедапояга ёлғиз бордим.* М. Хидир, Қирғоқ-

лар. *Нусратбек ариқдан сакраб, бедапояга ўтди. Энгашиб, бир тутам йўнғичқа юлди.* С. Нуров, Нарвон.

БЕДАРАК [бе.. + дарак] *рвш.* Ҳеч қандай хабар (дарак) йўқ, ном-нишонсиз, хат-хабарсиз; дараксиз. *Бедарак кетмоқ. Бедарак йўқолмоқ.* ▬ *Индинига эрталаб она-бола йўлга чиқиб, бедарак кетган отани излаб кетдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У эрта билан шаҳардан келган суратчи йигит билан Кўк-оролга кетганича ҳамон бедарак эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

БЕДАРВОЗА [бе.. + дарвоза] **1** Дарвозаси йўқ, дарвоза қўйилмаган. *Ҳовли бедарвоза эди.*

2 Қоровулсиз, назоратсиз. *Ҳой, иним, шофёрга айтиб қўйинг, шаҳар бедарвоза бўлиб қолганми?* С. Нуров, Нарвон. *Аввал келишсин, кейин бир гап бўлар, ҳар тугул шаҳар бедарвоза эмас.* «Ёшлик».

БЕДАРД [бе.. + дард] Ғам-ташвиши йўқ, бепарво, лоқайд. *Бедарднинг ёнида гапирсанг, боши оғрир.* Мақол. ▬ *Муҳаббатсиз кўнгил ўлмоғи маъқул, Кимки бедард, хазон бўлмоғи маъқул.* «Ёшлик». *Сўнг шеър ўқиб ҳайқирдик чунон, Бедардларга бўлсак ҳам кулги.* «Ёшлик».

БЕДАРМОН [бе.. + дармон] **1** Дармони, мадори йўқ; қувватсиз, ҳолсиз, заиф. *Бедармон чол. Оёқларим бедармон.* ▬ *Қанча юрди шу тахлит, суянмоққа нимадир қидирди чоғи, қулочларини ёзди.. бедармон оёқлари чалишди, нимагадир қоқилди-ю, юз тубан ерга йиқилди.* «Ёшлик».

Бедармон тортмоқ Куч-қуввати кетиб, мадори қуриб бормоқ. *Доим захда ўтириб ишлаганимданми ёки ўзимнинг табиатимда заифлик борми, ишқилиб.. кўп вақтдан бери бедармон тортиб юрибман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Яхши ўсолмаган, нимжон (ўсимлик ҳақида). *Бедармон ниҳол.* ▬ *-Кўп звеноларнинг ғўзаси жуда бедармон. Чопиқ ва суғориш сифати ҳар жойда бир хил эмас, — деди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БЕДАРМОНЛИК Дармонсизлик ҳолати, дармонсизлик, мажолсизлик.

БЕДАХМАЗА [бе.. + дахмаза] *рвш.* Ортиқча дахмазаси йўқ, ташвиш орттирмайдиган; беташвиш.

БЕДАХОНА Беда ва умуман хашак босиладиган (сақланадиган) уй ёки болохона. *Бу уй илгари бедахона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ, токчаси ҳам йўқ, тоқиси ҳам йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕДАЧИЛИК Беда экиш, беда етиштириш ишлари; бедакорлик. *Бедачиликни юксалтириш. Бедачилик хўжалиги.*

БЕДИЛ [*ф.* بيدل — севиб қолган, севилган] **1** *кт.* Маъюс, ҳасратли; ғамгин. *Бунчалар қаттолсан, о сирли олам, Бунчалар бедилсан, бепоён хилқат.* А. Орипов.

2 *кўчма* Кўнгилсиз бўлган, кўнгли совиган. *Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусоҳиб бўлмағил.* Ҳамза.

3 *кт.* Ўта даражада ошиқ, ишқ ўтида куйган. *Чироғпоядаги шам бедиллар юрагидек титраб, меҳмонхонани аранг ёритар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Бедил (эркаклар исми).

БЕДИЛОНА Шоир Бедил (Мирзо Абдуқодир — 1644-1721 йиллар) гагина хос бўлган, бедилсифат. *Бедилона мисралар. Бедилона шеърият. Бедилона руҳ.*

БЕДИЛХОНЛИК Бедил шеърларини ўқиш, уларнинг мазмунини ўрганиш билан машғул бўлиш ҳамда шу асосда ташкил этиладиган шеърият кечаси. *Бедилхонлик кечаларини уюштириш ва ўтказиш.*

БЕДИН [бе.. + дин] *айн.* **динсиз.** *Бир фабриканинг ёнига етиб эрдим, эшикдан бир хуносаи мушкил соч қўйғон бедин чиқуб келди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

БЕДОВ *айн.* **бедав.**

БЕДОД [*ф.* بيداد — адолатсизлик, зулм] Зулм, қаҳр, шафқатсизлик. *Фалак бедодидин, дўстлар, омон йўқ.* «Ёшлик». *Инглиз қуролларин асрий жавру бедодин, Қиссаларда ҳиссасин шарқлик халқлардан сўранг.* Ғ. Ғулом.

Бедод бўлмоқ Ҳеч кимга арз-дод қилолмай, ноилож қолмоқ. [*Ҳайитжон Тўлахонга*:] *Бир одамга берайликки, дўстлар шод, душманлар бедод бўлиб, ота-она, қавму қариндошларингниям бундай орзу-армони ушалсин.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Таралла бедод** Ҳеч нарса парвойига келмай санғиб юрувчи, енгилтак; ишёқмас. *Таралла бедодга жон ғанимат.* Мақол.

БЕДОДЛИК Арз-додга ҳеч ким қулоқ солмайдиган, адолатсизлик, қонунсизлик ҳукм сурган ҳолат. [*Ғофир қозига*:] *Бу қандай зулм, бу қандай бедодликки, севган хотинимни золим бой тортиб олмоқчи бўлса-ю,*

менга ёрдам бериш ўрнига, бойнинг ёнини оласиз. Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ахир қандай бедодлик бу, Миянгизга урар қон, Қолмаётир бу дунёда На инсофу на виждон.* А. Орипов.

БЕДОМ-ДАРАК, бедому дарак *рвш.* Ҳеч қандай дараги бўлмай; бутунлай бедарак; хат-хабарсиз. *Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг дард-фироқида куйиб, ётиб қолиптилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Оббо сиз-эй, мунча бедому дарак бўлиб кетмасангиз? Тинчликми ўзи?* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

БЕДОНА I [*ф.* بیدانه – уруғсиз, данаксиз] Уруғсиз қора кишмиш узум ва ундан тайёрланган майиз.. *Серсув ва хилма-хил узум кўп. Қоражанжал, бедона, соҳиби, диликафтар, буваки – хуллас буларнинг нави беҳисоб.* Ойбек, Болалик.

Бедона тут Тутсимонлар оиласига мансуб, меваси оқ, ширин, уруғсиз дарахт.

БЕДОНА II Бир-икки яшар молнинг терисидан ишланган чарм. *Енгил бедона маҳсиси билан қала кафши [Раънонинг] кичкина оёғига жуда келишган.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БЕДОР [*ф.* بیدار – уйғоқ; ҳушёр] **1** Уйқуга кетмаган, ухламаган ҳолатда; уйқусиз, уйғоқ. *Бедор кўзлар. Тунни бедор ўтказмоқ. Бедор тунлар.* ▬ *Мактабни тугатаётган фарзандининг тунларни бекорга бедор ўтказмаётганлиги кўриниб турарди.* Газетадан.

2 *кўчма* Ҳушёр, сергак. *Бедор чегара соқчилари.* ▬ *Мен осойиш тунда беғам, беозор, Бахт берган тупроқни сақлайман бедор.* Зулфия. *Фарзандлар бошида она чироқдай Оламда танҳо у бедор посбон.* Г. Жўраева, Иқбол.

БЕДОРЛИК Уйқусизлик; сергаклик. *Ҳаяжондан, бедорликдан мадори қуриган аёлни юпатадиган юмшоқ муомала, илиқиссиқ сўз керак эди.* Н. Саломова, Ҳурматга лойиқ. *Шу кеча, бутун тун бедорликда ўтди, ухламади.* «Ёшлик».

БЕДОҒ [бе.. + доғ] Ҳеч қандай доғ, гард юқмаган; ғуборсиз. *Хонқиз чўққилари нақадар бедоғ, Ҳар қари чўпонинг – бир улуғ бахши.* Миртемир.

БЕЖАМА 1 *от* Безак, зеб, ҳашам. *Бежамаси кўп, бачкана иморат.*

2 *сфт.* Безатилган, безакли, сернақш, серҳашам. *Бежама эшик. Бежама уй.*

3 *сфт. кўчма салб.* Дабдабали, қуруқ, сохта сўзлар, қочиримлардан иборат бўлган. *Бежама гаплар. Бежама услуб.*

БЕЖАМАДОР *айн.* **бежама 2**, **3**. *Бежамадор қути. Бежамадор услуб.*

БЕЖАМОҚ 1 *айн.* **безамоқ.** *Қўғирчоқни бежамоқ.* ▬ *Бу узатиш мажлисини жонли, руҳли ўтказмоқ учун энг асл, энг нафис кийимларини кийиб, фавқулодда ҳусн оламини яна бир қат, яна бир қайта бежабдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Чиройли қилмоқ, келиштирмоқ. *Япянги кўк шоҳи тўн кийган устод янги тақяга саллани бежаб ўрамоқда эди.* Ойбек, Навоий.

3 *кўчма салб.* Дабдабали қилмоқ, сохта ибора ва қочиримлар билан тўлдирмоқ. *Гапни хўп бежайсиз-да.*

БЕЖАНЖАЛ Жанжалсиз, тортишувсиз. *Иш бежанжал битди.*

БЕЖИЗ [*ф.* بی چیز – буюмсиз, камбағал; ҳеч нарса] Бекор, бекорга, бекордан-бекор, асоссиз (*фақат бўлишсиз феъллар билан). Ҳар ким ўрганини олади деб, бежиз айтилмаган.* ▬ *Эртўғон деган отни Отам қўймаган бежиз. Онам тўғон бошида Туққан экан ўша кез.* Қ. Муҳаммадий.

БЕЖИРИМ Тузилиши, бичими ихчам, шинам ва чиройли; хушбичим. *Бежирим уй. Оёқларида бежирим туфли.* ▬ *Муҳаррам ширин табассум билан кулди, бежирим лабининг икки бурчагини нозик тўр тутилган дастрўмолчаси билан артиб қўйди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ойқиз.. қабулхонада бежиримгина, қадди қомати келишган.. нотаниш қизга назар ташлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Турсуной газетага бежирим қилиб ўралган бир китобни очиб, кўздан кечира бошлади.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

БЕЖО [*ф.* بیجا – уй-жойсиз; беҳуда; ўринсиз] *рвш.* **1** Алланечук, безовта ҳолатда; бесаранжом, безовта. *Юрагим бежо бўляпти.* ▬ *Қудрат уч бурчак қилиб тахланган қоғозни очаркан, ҳайратдан кўзлари чақнар, юраги бежо типирчиларди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳамроҳи саманнинг бежо пишқирганини.. эшитиб, чўчиб, орқасига қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Доимо ўйчан ва сокин боқадиган қўй кўзлари бежо, қандайдир изтиробли эди.* «Ёшлик».

2 Ножўя, ғалати; шубҳали. *Мулла Қосимжон! Сизнинг хотинингиз сал бежо юрадиган*

бўлибдир. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *Сўнг қарасам, отлиқнинг келиши бежо.* «Шарқ юлдузи». *Йигит қизнинг қўлларини силай бошлади. Қиз унинг бежо ҳаракат қилишидан хавотирланиб, сапчиб ўрнидан турди.* «Ёшлик». *Қариганда бежо бир иш қилибсан, Бир шаҳарга ўзинг юриш қилибсан.* «Зулфизар билан Авазхон».

Юриши (*ёки* **қадам олиши**) **бежо** Юриши, қадам олиши бесаранжом, шубҳали. *У қўлтиғига бир нарса қистириб олган, юриши ҳам бежо эди.* Ҳ. Назир, Яхши исм.

3 Ўз жойида эмас, жойидан қўзғалган. *Китоблар бежо бўлиб қолибди.*

БЕЖОЙ [бе.. + жой] **1** Жойи йўқ, жойсиз, маконсиз.

2 *шв.* Нотўғри, ноўрин. *Подшонинг отига бежой минибсиз, жондан кечиб, ажаб ишни қилибсиз.* «Рустамхон». *Бежой қилдинг, она, ҳолим билмадинг, Илгаридан нега хабар бермадинг.* «Рустамхон».

3 Жуда, ўта; жуда ҳам. *Болдан ширин ҳангомада сўзлари, Бежой ўткир экан икки кўзлари.* «Юсуф ва Аҳмад». *Айтай десам, оти эсдан чиқибди, Сўзлаганда бежой тотли сўзлари.* «Гулнорпари».

БЕЖОЛАНМОҚ Шубҳали, ғалати ҳолатга тушмоқ; безовталанмоқ. *Унинг ранги оқарди, кўзлари бежоланди, узун, ингичка бармоқлари қалтирай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузи. *Осойишта кўзлари бежоланиб, аввалгидек ғазабга тўлади.* Ф. Хўжаев, Обид Жалилов.

БЕЖОН [бе.. + жон] Жон таслим қилган; жонсиз, ўлик. *Жон жонга куяр, Бежон кимга куяр.* Мақол. ▬ *Сокин, бежон ва тилсиз чўлнинг ҳам ўз жони, ўз тили, товуши ва ўз туғёни бўларкан.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

БЕЖОҒЛИҚ 1 Безатилган, бежалган, ясатилган. *Тежоғлиқ рўзғор — бежоғлиқ қўғирчоқ.* Мақол. ▬ *Бир тўп ёш-яланг одоб-тавозе билан тўйхонага кириб келдида, бежоғлиқ столга ўтирди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

2 Саранжом, саришта. *Тежоғлиқ иш — бежоғлиқ.* Мақол. ▬ *Режали иш — бежоғлиқ деганларидек, Исмоил Солиев чойхона ҳисобига келтирилаётган ўтин-кўмирларнинг ҳам режасини олиб қўйган.* Т. Ортиқов, Пона емаган танобчи.

Бекники бежоғлиқ Бекнинг ҳақи, тегиши доим тайёр.

БЕЗ I **1** *анат.* Тирик мавжудотнинг яшаши учун зарур бўлган моддалар ишлаб чиқарадиган кўп ҳужайрали аъзо. *Қалқонсимон без. Бодомча безлар. Лимфа безлари. Ошқозон ости бези. Ички секреция безлари.* ▬ *Маълум ёшдаги болаларда томоқдаги бодомча безлар яллиғланиши, қулоқ оғриши мумкин.* Газетадан. *Ёши катта одамнинг қалқонсимон безида 15 миллиграмм йод бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 *с.т.* Шу аъзонинг яллиғланиш натижасида шишган, дўмбоқчага айланган ҳолати. *Қўлтиғимга без келибди.* ▬ *-Соғолмайсизлар ҳам, боқолмайсизлар ҳам, болам, — деди ота ачиниб, — елинига без келибди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Битта эмчагининг ич томонида без пайдо бўлиб, фасод бойлабди.* «Ёшлик».

3 *кўчма с.т.* Гап таъсир қилмайдиган; безбет, сурбет. *Без одам.*

Без бўлмоқ Безраймоқ, бақрайиб, назарписанд қилмай туравермоқ. *Оёқсиз бўлганингдан кейин ярим одамсан-да. Бағритошлар бўлса, без бўлиб ўтирибдилар.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Асад қори, сўнгги киноя ҳам ўзига тааллуқи йўқдай, без бўлиб ўтираверди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қилғиликни қилиб, нега без бўлиб ўтирибсан.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

4 *кўчма* Эмчак, сут безлари. *Ҳожи хола келинчакнинг безларига кўз югуртирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кўкрагида кўринар, Худойим берган безгина.* «Нурали».

Без термоқ Тубан ишга қўл урмоқ; ёмон ниятда бўлмоқ; бекор юрмоқ. *[Аъзам] Бир нияти бўлмаса, кунда Ҳожиникида без терадими?* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *-Қассоб бозорининг итлари-ку, мени без тергани келган, деб қизғаниши мумкин эди. Хўш, кулолликнинг итлари нимани қизғанади? — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БЕЗ II [*р.* бязь < *а.* بَزّ — ип газлама; оқ газлама] Сурпга қараганда қалин ва пишиқ ип газлама. *Оқ без. Без тўшак.*

БЕЗАБОН [бе.. + забон] **1** Сўзлаш қобилиятидан маҳрум; тилсиз; гапсиз-сўзсиз. *У қоп-қора юзидаги оппоқ соқолини силкитиб: -Ҳайвон безабон! — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У менга безабон жонивордек муомала қилар, гапирмас.. эди.* А. Мухтор, Асарлар. *Безабон куйлайди санъатдан Лувр, Зукко халқ умрига қўшиб қўш умр.* Г. Жўраева.

2 *кўчма* От, ҳайвон. *Баданинг қизлардан нозик, Безабон, келгин юганга.* «Гулихиромон». *Ўзининг юртига елдай еладир. Безабон, безабон!* «Ёшлик».

БЕЗАВОЛ [бе.. + завол] **1** Ҳеч қандай завол, зарар кўрмайдиган; заволсиз; абадий, сўнмас, барқарор. *Безавол ҳаёт. Безавол қуёш.* ▬ *Илоё, шу йигитчаниям умри узоқ бўлсин. Бахти безавол бўлсин.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Назарида, нур тўшалган бу йўл болаларнинг шодмон кулгиси янграган безавол оламга элтадигандек туюлади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 Ривожи тўхтамайдиган, орқага кетмайдиган, доимо омонда бўладиган. *Сизни кўрсам, эсга тушар тоғ қизи, Безавол ўлканинг бегуноҳ қизи.* Ҳ. Салоҳ. *Токи мавжуд экан заминда аёл, ҳаёт абадийдир, дунё — безавол.* Газетадан.

БЕЗАК 1 Безатиш, ясатиш воситаси; ҳусн, кўрк, чирой берувчи нарса; зийнат берувчи буюм ёки нақш. *Архитектура безаклари. Арча безаклари. Безак буюмлари. Бадиий безак.* ▬ *Эгар жабдуқларидаги олтин безаклари қуёш нурида ялт-ялт қилаётган бўз отни жиловдор етаклаб келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, билагузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби.. буюмлардан қути-қути йиққан.* Ойбек, Танланган асарлар.

Дастурхон безаги Дастурхонга қўйилган ёки қўйиладиган ноз-неъматлар. *Ҳар гужуми асалдек татийдиган узум, ҳар бир тилими тилни ёрадиган қовун, шифобахш тарвуз, олма, нок, қўйинг-чи, қўли гул боғбонлар етиштирган мева-чева, дарҳақиқат.. дастурхон безагидир.* Газетадан.

2 *кўчма* Ҳусн, кўрк. *Сўз — кишининг ўзаги, Одоб — кишининг безаги.* Мақол. *Тил — ақл безаги.* Мақол. ▬ *Яхши фазилатлар инсон камолотининг безаги, ҳусни, жон роҳати ва фароғатидир.* Газетадан.

БЕЗАКДОР *айн.* **безакли.** *Оғзига, учига мис қопланган безакдор қинини айтмайсизми, тебранганда, кун тушиб, ялт-ялт этади.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. *Пичоқчанинг учини консерва банкачасига қадаб, безакдор сопи устидан кафти билан ура бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БЕЗАКЛИ Безатилган, безалган, нақшдор, зийнатли. *Шу безакли, адил кошона Меҳнаткашга чин роҳатхона.* Шайхзода. *Шеримбек дадил бориб, Бобур минган бўз отнинг олтин безакли юганидан олди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БЕЗАКОТ [бе.. + закот] Закот берилмаган; хайр-садақа қилинмайдиган. *Безакот молларни ҳаром билибди.* «Алпомиш». *Безакот, хайрсиз бойдан, Ўтсиз, сувсиз қолган тилла саройдан Кир, демаган узрли том яхшидир.* «Оқ олма, қизил олма».

БЕЗАКСИЗ 1 Безаги йўқ, зийнатланмаган, жўн. *Шайбонийхон безаксиз, жўн кийинган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Ўз ҳолича, борича, ҳеч бир қўшимчасиз; табиий. *Ўтган якшанба куни тонгдан тунгача ўз кўзим билан кўрган, билганларимни бўёқсиз, безаксиз, холис айтиб ўтмоқчиман.* Газетадан.

БЕЗАКЧИ 1 Нарсаларга безак, зийнат бериш билан шуғулланувчи шахс. *Унинг каштачи ва безакчи, тўқувчи ва тикувчи, кулол ва мискарлари довруғи узоқ-яқинларга маълум.* Газетадан. *Бир оздан кейин Дўстмат ҳам чиқиб, безакчи қиздан қарз сўрагани рассомлар хонасига йўл олди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 *кўчма* Зийнат, кўрк берувчи; обрў келтирувчи. *Хотин — уй безакчиси, Эр — уй кўмакчиси.* Мақол.

БЕЗАМОҚ 1 Зийнат, безак бериб чиройли қилмоқ; ҳусн киргизмоқ; кўзни қувонтирадиган ҳолга келтирмоқ. *Баҳор келди. Мактаб саҳнидаги ўрикларни оқ, пушти гуллар безади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кечаси билан ёққан қалин қор ҳар бир томни, деворни, ҳар дарахт ва гумбазни майин оқ ҳошия билан безаб чиққан.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ерлар кўк гиламлар билан безалганда.. биз ҳам тўй қилармиз.. Шундайми, Раъно?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Ақлий ва маънавий жиҳатдан бойитмоқ; обрў келтирмоқ. *Қариликни донолик безайди, Ёшликни — камтарлик.* «Сўз кўрки — мақол». ▬ *Дарахтни — ширин мева, устозни — оқил шогирд безайди.* Р. Усмонов, Одобнома. *Инсонни уч нарса зийнат фазилатлари билан безайди: ақл-заковати, меҳнат-машаққати ва одамларга бўлган меҳр-муҳаббати.* Газетадан. *Инсонни кучли қиладиган, уни безайдиган нарса мақсади, тўғрироғи мақсадлари бирлигидир.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

БЕЗАНГЛАМОҚ Бирор нарсадан зада бўлиб ёки қўрқиб зириллаб турмоқ, безовта ёки бетоқат бўлмоқ; чўчиб, ирғиб тушмоқ. *Дори деса, безанглайди.* ▬ *Анор Узоқов.. ҳадеганда ёмғирнинг тинмаётганини кўриб безанглаб қолди.* С. Маҳкамов, Катта рулда. *Бу сўздан Офтоб ойим безанглаб тушди ва эрига қарши ризосизлик вазиятини олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Булар ўша.. Ёруғликдан безанглашиб, Қоронғида топишганлар.* Т. Йўлдош, Аттанг.

БЕЗАНЖИР [бе.. + занжир] Занжирга солинмаган; бандсиз, занжирсиз, эркин. *Миттихон тўрамнинг қаландарлари безанжир айиқлардай.. талқин ўқиб, растани бошларига кўтариб келар эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Маллаев хирси безанжир эмасми, бир силтаниб, Маматқуловнинг қўлидан чиқиб кетди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

БЕЗАНМОҚ Безаклар билан ороланмоқ; ўзига оро бермоқ. *Эшиги нафис ўймакорлик билан безанган кўшкда ҳозир Бобурни фақат хона ўзига тортар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ўшанда олам камалак нурлари билан безанган, майсалар шивирлаган, гуллар табассум қилган, қушлар ғазалхон-у энг яхши «қўшиқ»ларни Аҳмаджонга куйлайди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Кўклам қизи юз очди, мусаффо безанибдур, Эгнида яшил жомаси зебо безанибдур.* Ҳабибий.

БЕЗАРАР [бе.. + зарар] Зарар, зиён келтирмайдиган, зарарсиз, зиёнсиз; зарар етмаган ҳолда; хавфсиз. *Ўғлим, ишқилиб, безарар қайтсанг бўлгани.* Газетадан. *Илгариги тўйларнинг, ҳар қалай, шўх ўйинлари, куёв-келин бир умр эслаб юрадиган безарар ирим-сиримлари бўларди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

БЕЗАХА [*ф.* بی‌زخم — ярасиз, шикаст емаган] Эзилмаган, урилмаган, лат емаган. *Безаха қовун.* ▬ *Болалар олмаларни безаха қилиб тера бошладилар.* «Ўзбек тили дарслиги».

БЕЗ-БЕЗ: без-без қилмоқ, без-без оғримоқ Безиллаб, қақшаб оғримоқ. *Турай дейман, оёғим без-без қилиб, туролмайман.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бу бошнинг зирқираши ҳароратники эмас, тош тегиб захалангандек, аллақандай без-без қилмоқда.* С. Абдулла, Соялар. **Юраги без-без қилмоқ** *айн.* **юраги безилламоқ.** *қ.* **безилламоқ**. *Улфатлари юз ўгирди, қолди ёлғиз, Ота-она юраклари қилар без-без.* «Муштум».

БЕЗБЕТ Ор-номусни билмайдиган, гап таъсир қилмайдиган; уятсиз-андишасиз, бети қаттиқ, сурбет. *Безбетга қошиқ берсанг, Бир ўрнига беш ошар.* Мақол. ▬ *-Ўлгудай безбет экансан-да, Набигул! — деб [шеригининг] берган дашномига одатдагича масхарабозлик билан жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Шу йўл билан сирингни ёпмоқчи бўлдингми? Ёполмайсан! Безбет!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЕЗБЕТЛИК 1 Уят-андишасизлик, сурбетлик. *Бойнинг безбетлигини Жўра полвон кўриб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Олимжон эса безбетлик билан одамларга тик қарайди, кекса мастерни туҳматчиликда айблайди.* «Муштум».

2 Сурбетларча, уятсизларча қилинган иш, хатти-ҳаракат. *Суннат валат безбетлик билан дастлаб терговда ҳеч нарсани бўйнига олмади.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Фақат алдамчилик, безбетлик, номуссизлик жандасини кийган кимсагина ўз виждон ҳукмидан қўрқмайди.* Газетадан.

БЕЗГАК 1 Вақти-вақти билан иситма чиқариб, қалтиратадиган юқумли касаллик. *Саратоннинг айни қизғин кунларида безгак авж олади.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Ота безгакдан қалтираб, гоҳ музлаб, гоҳ ўт бўлиб ёниб, алаҳсираб ётарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Безгак касаллиги билан оғриган одам. *Нури бу воқеанинг учини эшитган ҳамон, безгакдай қалтираб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕЗГАКДОРИ Безгакни даволаш учун қўлланадиган, безгакка қарши дори; хинин.

БЕЗГАКНАМО Худди безгак касалига дучор бўлгандек, безгак касалидан турганга ўхшаш. *-Ҳой, Ойниса бувингни чақир, — болаларга аралашмай, бир чеккада турган рангпар, безгакнамо қизга буюрди бой.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕЗГАКПАШША *биол.* Одамга безгак плазмодийларини юқтирадиган ва безгак касаллигини қўзғатувчи ҳашарот. *-Безгакпашшага ўхшаб ғинғиллай берманг! — деди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *..бўри бўлгандан безгакпашша бўлган яхшироқ, чунки уни қопқон билан тутиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЕЗГАЛДАК *зоол.* Тувалоқлар туркумига мансуб чўл қуши.

БЕЗДИРМОҚ **Безмоқ** фл. орт. н. *Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил.* Мақол. *Яхши сўз ийдирар, Ёмон сўз бездирар.* Мақол. ▬ *Бундай ҳаёт бир қаричликдан йўқчиликка, меҳнатга кўникиб ўсган қизни сира бездирмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕЗИЁН [бе.. + зиён] *айн.* **безарар.** *Энг беозор, безиён жонивор йилқи-ку!* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *Яширмайман, Ҳимматилла шўхроқ эди, лекин безиён..* Шуҳрат, Умр поғоналари.

БЕЗИЛЛАМОҚ 1 *айн.* **безанглaмоқ**.

Юраги безилламоқ Юраги ботинмаслик, қўрқмоқ; ҳадик ва қўрқинчга тушмоқ. *Хотиним кир юваман деса, менинг юрагим безиллайди.* М. Хайруллаев, Рашк. *Ундан ҳамма безилларди. Ким асаб, ким юрак, ким қон босимига чалинса ва ёки ишдан ҳайдалса, барчасига шу — Ҳамида сабабчи бўларди.* «Ёшлик». *Хотинининг ер тагидан хўмрайиб қарашлари юрагини ёмон безиллатиб қўйган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Зириллаб, қақшаб оғримоқ, без-без қилмоқ. *Баданидан иситма чиқар, чакка томирлари урар, кўнгли озар ва бутун вужуди безиллар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Жангчилар, оёқларининг безиллаб қолганидан бўлса керак, ўрдакдек лапанглаб юрардилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *..қабариб, қонталашиб кетган товонлар бари бир, чўғ теккандай безиллайди.* О. Ёқубов, Излайман.

БЕЗМОҚ Зада, безор бўлмоқ; жонига тегмоқ. *Доридан бездим. Бекорчиликдан бездим. Эрдан безсанг ҳам, элдан безма.* Мақол. *Элидан безган эр ўнгмас.* Мақол. ▬ *-Золим подшодан бездик, ўла қолсин у! — деб қичқиришди хотинлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Янглиш туйғу менда бўлмас! Янглиш сезги сезганлар, Йўқлиқ сари бора беринг, эй, ҳаётдан безганлар.* Ғайратий.

БЕЗОВТА 1 Одатдаги ороми, тинчи бузилган, ҳаяжон ва изтиробга тушган; ҳаловати йўқолган, бетинч, ғаш. *Мадамин бу ердан чиқиб, яна безовта жонига малҳам қидирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қишлоқ кўчалари жимжит, фақат ҳовлиларда нимадандир безовта бўлиб итлар ҳуришади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қизни безовта қилмай, дегандай ўрнини осойишта йиғиб, ҳовлига тушди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Тинчлиги бузилган; нотинч. [*Жўра*:] *Қўрбоши ака, неча йилдан бери замона безовта.* И. Султон, Бургутнинг парвози. *Бу ернинг ўжар табиатига, ғилдирак устидаги безовта турмушга у тез кўникди.* Газетадан. *Яна Норин суви безовта чайқалди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Безовта шамол бирданига кучайиб, қора булут пардасини суриб келди.* М. Қориев, Қиз узатиб борганда.

3 Ҳаловати йўқ; бетоқат, беором. *Бола туни билан безовта бўлиб чиқди.* ▬ *..қишлоқда табиблик қилиб юрган вақтларида бундай безовта бетобларни кўп кўрган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БЕЗОВТАЛАНМОҚ Одатдаги тинч ҳолатини йўқотмоқ, ташвишланмоқ; ташвиш тортмоқ, ташвишга тушмоқ. *Вақт ўтган сари меҳмонлар безовталана бошлашди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда. *Кўнгли аллақандай нохушликни сезиб, безовталанди.* «Ёшлик». *Қушлар галаси безовталаниб, дарё томонга тез учиб кетди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

БЕЗОВТАЛИК 1 Ташвишланиш, хавотирлик; кўнгли ғашлик, бетоқатлик. *Уйига келганда ҳам, руҳидаги безовталик уни тарк этмади.* С. Сиёев, Аваз. *Қор кўчкилари мавсумида отарларда безовталик сезилади.* Газетадан.

2 *кўчма* Қўзғалиш, ўзгариш. *Ўлкамизда баҳор.. Она-табиат ажиб безовталик, ширин уйғониш даврида.* «Саодат».

БЕЗОВЧИ Безайдиган; гўзал, комил қилиб кўрсатадиган. *Умуман, гўзаллик киши учун катта бахт, аммо кишини безовчи барча сифатлар ичида меҳнатсеварлик бебаҳо зийнатдир.* Р. Усмонов, Умр сабоқлари.

БЕЗОР [*ф.* بیزار — майлсиз] Бирон нарса ёки кимсадан безган, юрак олдириб қўйган; тўйган. *Бекорчидан ҳамма безор.* Мақол. *Дилозордан худо безор.* Мақол. ▬ *Эрназар дангасага айтинглар: менинг томонимга қарамасин, мен унақа одамдан безорман.* С. Айний, Қуллар.

Безор бўлмоқ Жонига тегмоқ, кўнглига урмоқ. *Пашшадан безор бўлдим.* ▬ *..Унинг ёлғон-яшиқ гапларидан қўни-қўшнилар ҳам безор бўлиб кетган.* «Муштум». **Безор қилмоқ** Жондан тўйдирмоқ, обдан зериктирмоқ. **Жондан безор қилмоқ** Жондан тўйдирмоқ, жуда ҳам жонга тегмоқ, зериктириб юбормоқ. [*Оқила*:] *Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб, жонимдан безор қилишяпти.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

БЕЗОРИ [*ф.* بيزارى – нафрат, ёмон кўриш, жонга тегиш] Ножўя хатти-ҳаракатлари билан ижтимоий тартибни, кўпчиликнинг тинчлигини бузувчи, ҳаммани безор қилувчи. *Бетамизда бет бўлмас, безорида уят бўлмас.* Мақол. *Безоридан ҳамма безор.* Мақол. ▬ *Ойим билан дадам мени жуда эркалатиб юборишган эмиш, шу кетишда кетаверсам, мендан қип-қизил безори чиқар эмиш.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

Ота безори Ножўя ҳаракатлари билан ҳаммани, ҳатто ўз отасини ҳам безор қилган. *-Ота безори бўлмоқчимисан? – Абдураҳмонбой кутилмаганда кўзига ёш олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

БЕЗОРИЖОН [*ф.* بيزارجان – жондан түйдириш; жондан түйдирувчи]**: безорижон қилмоқ** Жондан түйдирмоқ, жонига тегмоқ, зериктирмоқ. *[Аҳмаджон] ..раъйига қарши чиққан суҳбатдошини безорижон қилиб, айтганига кўнишга мажбур этар эди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Шавкат поездда ҳам типирчилайвериб, ота-онасини безорижон қилиб юборди.* Қ. Кенжа. Тоғ йўлида бир оқшом.

БЕЗОРИЛИК 1 Кўпчиликнинг тинчлигини бузишлик, одамларни бездирувчи хатти-ҳаракат. *Безорилик қилмоқ.* ▬ *Ичкилик, безорилик, бузилиш, одобсизлик – ҳаммаси бекорчиликдан чиқади.* А. Мухтор, Чинор. *Отаси башарасига тупургандан кейин ҳам Раҳматуллонинг кўзи очилмади, баттар бўлди. У безориликни авжига чиқараверди.* «Муштум».

2 *ҳуқ.* Шахснинг жамоат тартибини қўпол равишда бузиш ва жамиятга ошкора ҳурматсизлик кўрсатишдан иборат хатти-ҳаракати. *Майда безорилик.* ▬ *Ичкилик туфайли безорилик рўй беради, жиноят содир бўлади.* Газетадан.

БЕЗОТ [бе.. + зот] **1** *айн.* **зотсиз.** *Безот сигирлар.*

2 *эск.* Аслзодалар, зодагонлар наслига мансуб бўлмаган; насли, зоти паст. *Сидиқжон безот, Сидиқжон гадобачча.. -Тўғри, лекин замон шуларники бўлса, нима дейсан?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Эшон:*] *Гапирма, безот. Тағин қайтаради-я!* Ҳамза. *-Бирор безот ўғирликка келса-чи? – деб ваҳима қилади кампир.* М.М.Дўст, Галатепа қиссалари.

БЕЗРАЙМОҚ 1 Кўзни лўқ қилиб туриб олмоқ, бақраймоқ, без бўлиб турмоқ. *Мингбоши.. «яна нима дейсан?» дегандай, безрайиб тураверди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Илгари унча-мунча даккини сиртига юқтирмай, безрайиб тураверадиган Авезов ҳозир хотини билан онаси олдида мўминтой боладай бўйин эгиб турарди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 Ҳайратдан, қўрқув ва ш. к. дан донг қотмоқ, серраймоқ. *Ойшабону нима дейишини билмай, ўтирган ерида безрайиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Йўл бўйидаги янтоқнинг тагидаги калтакесак менга қараб, безрайиб турар эди.* М. Хайруллаев, Меҳр кўзда.

3 *кўчма* Бир ҳолатда қотиб турмоқ; ҳеч бир ўзгаришсиз ётмоқ. *Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони эса обод бўлган ернинг ҳудудида турардик.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Чўлга қарадим: сарғайиб, безрайиб сукут этади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳали барг ёзмай, безрайиб турган сада тагидаги чойхона сўриларида одам кўп.* С. Аҳмад, Ҳукм.

БЕЗУРРИЁТ [бе.. + зурриёт] Фарзанди йўқ; насл-насаби қолмаган. *Бобоёр кессин ёлғиз бошингни.. Дунёдан безурриёт ўтгин, Гўрўғли.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

БЕИБО [бе.. + ибо] **1** Ор-номусни билмайдиган, шарм-ҳаёси йўқ; уяти йўқ, уятсиз. *Қизини бир умр заҳарлаган беибо кишига яна нима керак?* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 *кўчма* Қўпол, дағал, уятли. *Зеби овозини барала қўйиб шанғиллар, беибо гаплар ёғдирар эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Бундай беибо, шарманда байтларни ким ижод қилган?* Газетадан.

БЕИДРОК [бе.. + идрок] Фаҳмламайдиган, фаҳм-фаросатсиз, идроксиз. *Башарти бул замондағи саводсиз одамларнинг бехирад ва беидрок бўлғонларини назарда тутиб..* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БЕИЖОЗАТ [бе.. + изожат] *айн.* **рухсатсиз.** *-Қоронғи кечада нега бировнинг ўчоғига беижозат кирасан?! – деди йигит Шум болага.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Расулуллоҳ беижозат икки кишининг ўртасини ёриб, ораларига кириб ўтиришни ман этганлар.* «Фан ва турмуш».

БЕИЗ 1 *айн.* **рельссиз.** *Беиз транспорт.*

2 *рвш.* Бирор асар, белги қолдирмай; ном-нишонсиз, бедарак; изсиз. *Қуюн ту-*

тундек буралиб кўтарилади-ю, қумга сепилган сувдай беиз йўқолади. М. Назаров, Сирли хат. *Беиз кетмади, йўқ, шаҳидлар қони Кузғундан асради маъсум дунёни.* А. Орипов. *Севинмасинми, ахир ундан зурёд қолади, зурёд! У энди оламдан беиз, ном-нишонсиз кетмайди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

БЕИЗН [бе.. + изн] *айн.* **рухсатсиз**. *Биздан беизн иш қилманг, уқдингизми, қария?* Ойбек, Улуғ йўл. *Ва беизн қилган ишимдан Пушаймоним ва оҳим йўқдир.* Ҳ. Олимжон.

БЕИЗТИРОБ [бе.. + изтироб] Парво қилмаган ҳолда, изтироб чекмасдан, лоқайд. *Аслида-ку.. Беизтироб ҳўплаб қора қаҳвани, Деразадан оқ тан жаноб Кузатар можарони.* Э. Воҳидов.

БЕИЛЛАТ [бе.. + иллат] *айн.* **иллатсиз**. *Арзон беиллат бўлмас, қиммат беҳикмат эмас.* Мақол. ▬ *Мендан ўтган бўлса, кечиринг, профессор.. ўзингиздан қолар гап йўқ, беиллат одам борми дунёда?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

БЕИМОН [бе.. + имон] *айн.* **имонсиз**. *Беимон кетма дейман. Қани калима келтир!* К. Яшин, Ҳамза.

БЕИНСОФ [бе.. + инсоф] *айн.* **инсофсиз**. *Фашист беинсоф экан, жуда тирриқ экан..* Ойбек, Қуёш қораймас. *Шотўрамдан уялмайин, беинсоф, Калланг чайқаб, билагимдан ушладинг.* «Ойсулув».

БЕИНТИҲО [бе.. + интиҳо] *айн.* **интиҳосиз**. *Худди ана шу фарзандлар шарофати билан умр боқий, беинтиҳодир.* К. Яшин, Ҳамза.

БЕИСТИСНО [бе.. + истисно] *рвш.* Биронтасини ҳам четда ёки қатордан қолдирмай, мустасно қилмай; ялписига. *Биз беистисно ҳамма мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлаб олдик.* Газетадан.

БЕИХТИЁР [бе.. + ихтиёр] *рвш.* Ўз ихтиёридан ташқари ҳолда, ғайриихтиёрий равишда; ихтиёрсиз. *Бекнинг вужуди титраб, беихтиёр «уҳ» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Зумрад билан бир қур учрашган, икки оғиз гаплашган киши беихтиёр унга маҳлиё бўлиб қоларди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Нафиса беихтиёр ўрнидан дик турди.* Мирмуҳсин, Умид.

БЕИШ Бирор иш билан машғул (банд) бўлмаган, ишламайдиган; ишсиз. *Беватан, беиш, бошпанасиз қолган Аъзам.. шаҳар четидаги кўримсизгина бир масжид қоровулининг мол боғласа турмас ҳужрасига бориб тиқилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. -*Беиш ўтириб ўрганмаганман, — деб очиғини айтди хола.* «Гулдаста».

БЕИШКАЛ [бе.. + ишкал] Чалкаш (чатоқ) жойи йўқ; силлиқ. *Икки ўртадаги суҳбат беишкал ўтди.* Газетадан.

БЕИШТАҲА [бе.. + иштаҳа] *айн.* **иштаҳасиз**. -*Соппа-соғ, — деди Хумкалла беиштаҳа кавшаркан. — Овқат егиси келмасмиш.* М.М.Дўст, Лолазор.

БЕИШТИЁҚ [бе.. + иштиёқ] Хоҳиши, истаги йўқ; иштиёқсиз. *Аламазон билетга анча маҳал беиштиёқ тикилиб ўтирди.* «Шарқ юлдузи».

БЕИШҚ [бе.. + ишқ] *поэт.* Ҳеч кимга кўнгил қўймаган; муҳаббати йўқ, ишқсиз. *Беишқ ҳаёт — бегул баҳор.* «Қанотли сўзлар». ▬ *Севгининг дарди фақат беишқ учун бегонадир.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун.* А. Орипов.

БЕИҚБОЛ [бе.. + иқбол] *поэт.* Келажаги порлоқ бўлмаган; омадсиз; иқболсиз. *Гарчи яшамадим беиқбол, нигун, Гарчи давраларим нурли, оташли.* А. Орипов.

БЕК I **1** *тар.* Туркий халқларнинг баъзиларида хонликлар даврида давлат арбобларига, шаҳар ёки вилоят ҳокимларига, уларнинг болаларига берилган фахрий унвон ҳамда шундай унвонга сазовор бўлган шахс. *Бошлаб худайчи от устидан бир кимхоб тўнни олиб, қўрғон бегига кийдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Атроф шаҳар ва қишлоқ беклари.. аксар Мусулмонқулнинг ўз одамларидан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аслида бу отни, Улуғбек Мирзо Самарқанд тахтига чиққанда, Бухоро беги туҳфа этган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Беклар беги *қ.* **беклярбеги**. **Бек ойим** // **бегойим** Бекнинг онаси ёки хотини ва уларга мурожаат шакли. *Ҳасанали танитди: -Мана бу киши қайин онангиз — бек ойим бўладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Эркаклар исмининг таркибий қисми, мас., *Йўлдошбек, Отабек, Юсуфбек.*

3 (1-*ш. эгалик шаклида*) Ўз беги ёки хўжайинига мурожаатда ёки улар ҳақида гапирганда ишлатилган сўз. *Қайғурма, бегим! Ҳасанали отанг бу тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эски вақтда ер-сув эгаларининг хизматкорлари*

хонлар замонидаги расм-русмни қилиб, ўз хўжайинларини «бегим», «хоним», «ойим» деб ҳурматлар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Ўзи(га) хон, ўзи(га) бек *қ.* **хон.** *Ҳар ким ўзига хон, ўзига бек.* Мақол.

БЕК II Берк, ёпиқ.

БЕКА 1 *тар.* Бекнинг ва умуман ҳукмдорларнинг, боёнларнинг хотини. *Чўри қиз Бўстон.. бекасининг ҳозиргина саройдан канизак келиб.. зиёфатга олиб кетганлигини билдирди.* Ойбек, Навоий. *Лаббай, Бадиа бекам! [деди Заврак]. Бадиа ўз исмига «бекам» сўзини қўшиб айтганни ёқтирар, чунки подшонинг гўзал кенжа қизи Гулгун Ақонинг номига ҳам «бека» қўшиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Оилага, хонадонга ёки хўжаликка бошчилик қилувчи аёл. *Боғбонсиз боғ мисли чўл-ёбон, Бекасиз уй — сувсиз тегирмон.* «Қанотли сўзлар». ▬ *Тўй бекаси — Мирзакаримбойнинг хотини аёлларни уч гуруҳга айирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ярим кечада қаёққа борамиз, ўзингиз ўйланг! — деди куёв меҳмонхона бекасига.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма поэт.* Бошқарувчи, сардор, эга, соҳиб. *Нечун, ахир, мард гўзаллар бекаси, Гумбурламас Асқар тоғнинг теграси.* А. Шер, Қадимги куй. *Уч ой йўлингизда ётдим кўз тикиб, Эй, баҳор бекаси — май чечаклари.* А. Орипов.

БЕКАМ-КЎСТ, бекаму кўст [бе.. + *ф.* کم — оз, کاست — озлик, камлик] Ҳеч қандай камчилиги, нуқсони йўқ, ҳар жиҳатдан тўлиқ, мукаммал, бенуқсон. *Рўзғоримиз бекаму кўст. Топшириқни бекаму кўст бажармоқ.* ▬ *Ойнадан табиатнинг бекаму кўст, мукаммал бир фариштаси нозланиб қараб турарди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Тўхтасин Жалилов.. минглаб халқ куйларини хотирасида сақлаб қолар, уларни чолғу асбобида бекам-кўст чала биларди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

БЕКАНОР [*ф.* بی‌کنار — соҳилсиз, қирғоқсиз, чегарасиз] Чегараси йўқ, ҳадсиз, чексиз. *Сен қайга ҳовлиқасан, эрта-кеч билмай тиним, Сен қайга ҳовлиқасан, беканору кўр, басир.* А. Орипов.

БЕКАРАМ [бе.. + карам] Ҳеч кимга яхшилик қилмайдиган; мурувват кўрсатмайдиган, ҳимматсиз. *Қайда виждон, қани инсоф? Сиз одам бўлмай кетинг, Мунча ҳам номеҳрибону Бекарам бўлмай кетинг.* «Муштум».

БЕКАС [*ф.* بی‌کس — кимсасиз, танҳо] Ҳеч кими йўқ, кимсасиз; ёлғиз. *Ғози Юнус фақир.. ва бекас..* «Гулистон». *Бир ғариб, бекас тағойи хоксорим бор эди.* Муқимий.

БЕКАС-БЕНАВО Кимсасиз ва ғариб, ҳеч кими йўқ. *У [Али] Мирзони бус-бутун, бекас-бенаво ғариб билиб, «теп-текин хизматкор бўладиган экан», деб ўйларди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

БЕКАСЛИК Кимсасизлик, ёлғизлик, ғариблик. *Бу ёлғизлик шоир қалбида бекасликка монанд.* «Шарқ юлдузи». *Отанг ҳажга кетгандан бери яна бекаслигим ортди.* Ю. Султон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

БЕКАТ 1 *тар.* Қадимда йўлларда карвонлар ва йўловчилар тўхтаб дам оладиган махсус жой, манзил. *Отабек бир неча бекатга меҳмонларни кузатиб бориб, сўнгра қайтмоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [Тўрғай] ўзига маълум бўлган икки бекатда отни ўзгартирди.* Мирмуҳсин, Темир Малик.

2 *тар.* Почта станцияси. *Хат ҳам тез келмайди, баъзан бекатларда йўқолиб кетади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Йўловчиларнинг бирор транспорт тури (мас., автобус, трамвай ёки метро)га чиқиш ва ундан тушишлари учун белгиланган жой. *Автобус бекати.* ▬ *Ер ости бекатлари пардозида кулолчилик санъати намуналаридан кенг фойдаланиляпти.* Газетадан. *Эшаклар дикир-дикир йўрғалаб, Косондан чиқди ва темир йўл бекатига қараб бурилган йўл бўйлаб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

4 *кўчма* Ҳаётда босиб ўтиладиган йўлнинг маълум босқичи, марраси. *Ҳаётнинг умумий оқими билан бирга ҳамиша олға интилиб, янгидан-янги бекатларни босиб ўтаётганини, улуғ манзил сари ҳормай-толмай сузаётганини эслаб, қалби севинч ва қувонч билан тўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Янги йил бўсағаси уларнинг яна бир бекати гўё.* «Саодат».

БЕКАТЧА Кичик бекат, оралиқ бекат; разъезд. *Поезд бир неча соат йўл юргандан кейин, ана шундай бекатчалардан бирига келиб тўхтади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *..темир йўлларда «дуварак» бекатчалар шундай кўпайганки, булардан кўпининг отини йўловчилар эмас, баъзан кондукторлар ҳам билмайди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БЕКАТЧИ Темир йўл бекатининг хизматчиси; бекат назоратчиси. *Бекатчининг бири йигитларни койигансимон қўлини силтади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

БЕКАФАН [бе.. + кафан] Кафанга ўралмасдан кўмилган, кафансиз кўмилган; кафансиз. *Худодан тилагим шуки, ўлиги кўчада қолсин, бекафан бўлсин, халойиқ.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *-Сиздек бекафанларга ерда ҳам, кўкда ҳам жой топилмайди,— деди Ботиров.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Ватансотарлар агар ўлса, бекафан қолар.* Чархий.

БЕКАЧ 1 *тар.* Бекнинг ва умуман ҳукмдорларнинг, боёнларнинг хотини ёки қизи. *Кеча ўрда бек ойимдан менга арава келган экан.. бормай, аравани бўш қайтардим.. Бо худо, ўрда бекачи бўлса ўзига, дедим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *эск.* Хотин-қизларга ҳурмат билан мурожаат қилишда ишлатилган сўз. *..Оҳ, кўрсанг эди бир куёвни! Қандай чиройли, қандай ақлли эканини билар эдинг, бекачим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Йиғлама, бекачим, — деди Тўйбека.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Эга, соҳиб; ҳукмрон. *Учовлон бекачдир бу гал даргоҳда, Номлари Мукаррам, Буойша, Ойгул.* А. Орипов.

4 Бекач (хотин-қизлар исми).

БЕКБАЧЧА айн. **беквачча.**

БЕКВАЧЧА *тар.* Бекдан туғилган бола; бекнинг боласи; бекзода. *Анвар ҳозир бутун шаҳарга донг таратган, шаҳарнинг уламоси.. бек ва бекваччаси Анварни танийди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бу бекваччани ҳам қуруқ юбормайман.* «Маликаи айёр».

БЕКЕНГАШ Маслаҳатсиз қилинган; кенгашсиз. *Бекенгаш ишнинг пушаймони кўп.* Мақол. ▬ *Қўявер, ошна, бекенгаш ишнинг пушаймони кўп, дейдилар.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

БЕКЗОД 1 Бекдан туғилган бола; беклар наслига мансуб, бек зоти. *Орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг, икки бекзоднинг айтгани ёдига тушди.* «Эрали ва Шерали». *Биз билмаймиз қай шаҳарнинг бекзоди От ўйнатиб, кўклам тоғда турибди.* «Маликаи айёр».

2 Бекзод (эркаклар исми).

БЕКЗОДА *айн.* **бекзод.** *Шоҳзодалар, хонзодалар ва бекзодалар умуман тўрт-беш ёшидан бошлаб ўқиш ва ёзишни ўрганганлар.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

БЕКЗОДИ *бот.* Шакли дуксимон, сирти оқиш-яшил ва сал тилим-тилим, ўртапишар қовун нави.

БЕКЗОТ *с.т. айн.* **бекзод**.

БЕКИК 1 Берк, беркитилган, ёпиқ; қулфланган. *Ҳамма меҳмонхоналарнинг ойнабанд нақшли, бўёқли эшиклари ва деразалари бекик, қалин пардалар билан қопланган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бобур.. бекик ва дим қўрғондан кўра, узоқдаги дарахтзорларни, кенг, очиқ жойларни афзал кўрарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Тўсилган, тўсиқ. *Бекик йўл. Дарё бекик эди.*

БЕКИЛМОҚ 1 Ёпиқ ҳолатга келмоқ; маҳкамланмоқ, қопқоқланмоқ. *Сандиқ бекилди. Эшик яхши бекилмади. Хумнинг оғзи бекилди.* ▬ *Люк бекилгач, «лайлакқор» тинди, лекин қуюқ тумандай чанг дастгоҳда муаллақ осилиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Тўсилиб ёки тақиқланиб, ўтиб бўлмайдиган ҳолатга келмоқ; ёпилмоқ. *Чегара бекилди. Йўл бекилди. Жўмрак бекилди.* ▬ *Отахўжа ака унинг [Абдубилолнинг] ёнига ўтди. Энди чиқиб кетадиган йўл бекилган эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

3 Паналаниб, тўсилиб, кўринмай қолмоқ. *Гуллар ўсиб, деворнинг айби бекилди.*

4 *кўчма* Тақиқланиши, тугатилиши ёки белгиланган вазифа, ишни бажариб бўлганлиги сабабли фаолиятдан тўхтамоқ, ёпилмоқ. *Мажлис бекилди. Кўргазма бекилди. Институт бекилди.*

5 Йиғилиб ёки букилиб ёпилмоқ. *Соябон бекилди.*

БЕКИМСА *кам қўлл. қ.* **кимсасиз**.

БЕКИНМАЧОҚ 1 Яширинганларни қидириб топишдан иборат бўлган болалар ўйини. *Кўчадан бекинмачоқ ўйнаётган болаларнинг қий-чуви эшитилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ой сув юзида қалқиб бораётган қовун палласи каби «бекинмачоқ» ўйнаб, гоҳ кўринади, гоҳ яширинади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Ишни битирмасдан сарсон қилиш, кўринмай қочиб юриш; алдаш. *Бекинмачоқ ўйинидан энсаси қотган Соболева Ориповга учрашмай чиқиб кетди.* «Муштум».

БЕКИНМОҚ Ўзини панага олмоқ; яширинмоқ. *Офтобдан бекинмоқ. Уйга бекинмоқ.* ▬ *Шербек ичкарига сирғаниб тушди-да, девор тагига бекина қолди.* С.

Анорбоев, Оқсой. *Тушга келиб, офтоб булутлар ортига бекинди.* Газетадан.

БЕКИТИҚЧА *рвш.* Киши (ўзгалар) билмайдиган қилиб, бошқалардан яшириб; яширин, пинҳона. *Қизнинг феъли-атворини, юриш-туришини очиқ ва бекитиқча.. узоқ таъқиб этди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу киши энди «художўй» бўлиб қолдилар. Беш вақт бекитиқча намоз ўқийдилар.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Ҳасан чойхоначи ҳинд чойини ҳалиям бекитиқча сотар эканда.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Ҳозир эса, бошқалар назарида, йигит бекитиқча равишда буларни [аёлларни] пойлаб тургандек бўлди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

БЕКИТМОҚ 1 Ёпиқ (берк) ҳолга келтирмоқ; очиқ ёки очилиб-ёпиладиган жойни маҳкамламоқ, ёпмоқ. *Сандиқни бекитмоқ. Эшикни бекитмоқ. Хумнинг оғзини бекитмоқ. Тешик-ёриқларни бекитмоқ.* ▬ *Эшикни бекитиб, дон солинадиган эски хампа остига энгашди.* Н. Аминов, Суварак. *У қутини бекитиб турган силлиқ мис парчасига қаради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Устини, атрофини ўраб (қоплаб, тўсиб) олмоқ; кўринмайдиган қилиб ёпмоқ, паналамоқ. *Юкни брезент билан бекитмоқ. Юзни бекитмоқ. Булутлар ойни бекитиб қўйди.* ▬ *Зебо яна қизариб кетди. Чакка сочларини тузатиш баҳонаси билан кўзини бекитди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Чўпон мени чакмони билан бекитиб: -Суюнчисига нима берасиз? — деб сўрабди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Раҳима Камолнинг муштидан юзини бекитиб, мук тушиб олди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

3 Кимса билмайдиган қилиб кўздан йўқотмоқ; яширмоқ. *Бола ўйинчоқни бекитди.* ▬ *-Ханжарингизни ҳам бекитиб қўйинг! — деди Зулфиқор.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бўри югуриб келиб, чолга: -Ота, бир мерган қувиб келаётибди, мени бекитиб қўйинг, — дебди.* «Чалпак ёққан куни».

4 Сир тутмоқ; сақламоқ, яширмоқ. *Мен сени яхши биламан, укажон.. тўғри сўз, виждонли боласан. Аммо Раимнинг сирини била туриб, бекитганингга ҳайронман.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Наҳотки қайнонасидан бекитиб кийинса, наҳотки кампирнинг гаплари рост бўлса?* «Муштум».

5 Тўсиб ёки тақиқлаб ўтказмай қўймоқ, ёпмоқ; маҳкамлаб тўхтатмоқ. *Йўлни бекитмоқ. Чегарани бекитмоқ. Сувни бекитмоқ. Газни бекитмоқ.*

6 *кўчма* Иши, фаолиятини тўхтатмоқ ёки тамом қилмоқ. *Кўргазмани бекитмоқ. Савдони бекитмоқ.* ▬ *Эски шаҳар ижроқўми Мозорхон, Оқмачит маҳаллаларидаги эски мактабларни бекитди.* Газетадан.

7 Букиб ёки ёпиб, йиғиқ ҳолатга келтирмоқ (очилиб-ёпиладиган, букланадиган нарсалар ҳақида). *Соябонни бекитмоқ. Қаламтарошни бекитмоқ. Китобни бекитмоқ.*

БЕКЛАМОҚ *с. т. айн.* **бекитмоқ 1, 5.** *Ўзбек ойим уйнинг эшигини беклаб келди-да, Ҳасаналининг яқинроғига ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эшикни беклаб, кўча дарвозасининг тагида пойлаб тураман!* Ҳамза. *Музаффар орқа ўриндиққа ўрнашиб, эшикни қарсиллатиб беклагач: -Ҳайданг! — деди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

БЕКЛАРБЕГИ *тар.* Хонликлар даврида юқори маъмурий унвон ва лавозим; вилоят ва катта шаҳарларнинг ҳокими. *Бекларбегининг асосий вазифаси солиқ ва бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, ҳукмдор фармонларини амалга ошириш, тегишли масалаларни.. ҳал этишдан иборат эди.* «ЎзМЭ».

БЕКЛИК *тар.* **1** Бек мавқеи, лавозими ёки вазифаси. *Мен Ойим қишлоғининг беклигининг уддасидан чиқолмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бек Алпомиш беклик қилиб, Қоражон билан бирликда даврон суриб, мамлакатни обод қилиб, Барчин билан ўйнабкулиб юраверди.* «Алпомиш».

2 Бек қарамоғидаги маъмурий ҳудуд. *Маддоҳлар — худонинг дахлсиз бандалари, уларни хонликнинг ҳар бир беклиги, ҳар бир ноиблигига жўнатсак, зарар қилмас.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бу йил Ҳазорасп беклигининг ўзида ўн минг таноб ғўзага қурт тушиб, ҳосил бўлмабди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бекларга хос хатти-ҳаракат, юриш-туриш. *Айниқса сиз ҳамон ўзингизнинг беклигингизга бориб, истиғноингизни эскича олиб борасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бой отам сенга беклик қилибдилар.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Юнус пари беклик қилиб, ёронлар, Сарпой берди жами турган қизига.* «Юнус пари».

Ҳам хонлиги бор, ҳам беклиги Жуда яхши, арзийдиган нарса (мас., от, кийим) ҳақида.

БЕКОЙИШ [бе.. + *ф.* کاهش — камлик; хароблик; азоб] Шодон, мамнун. *Бутун*

юртни осойиш топди, Элу юртни бекойиш топди. Ҳ. Олимжон.

БЕКОР [*ф.* بی‌کار – ишсиз] **1** Ишдан холи, иши йўқ; бўш, ишсиз, беиш. *Бекор тургунча, бекор ишла.* Мақол. *Бекордан ҳамма безор.* Мақол. ▬ [*Ҳасанали*] *Уззу кун уйида бекор зерикканликдан, Ҳожига айтиб, бирмунча дастмоя билан гузардан баққоллик дўкони очган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бекор бўлмоқ 1) амал-вазифадан тушмоқ; ишдан бўшамоқ; 2) кучини йўқотмоқ. *Бу қонун янги йилдан бекор бўлади;* 3) ярамайдиган, арзимайдиган, фойдасиз бўлиб қолмоқ. *Бекор бўлди иқтидорим, бекор бўлди юрагим, Бекор бўлди шеъриятим у гўзалнинг қошида.* А. Орипов. **Бекор қилмоқ** 1) ишдан бўшатмоқ, озод қилмоқ. -*Гап яна Бўтабой тўғрисида, — деди Бектемиров, — уни вақтинча раисликдан бекор қилган эдик.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) амалдан, кучдан қолдирмоқ. *Қарорни бекор қилмоқ;* 3) беҳуда овора бўлмоқ.

2 Беҳуда, бефойда; ўринсиз, чакки. *Бекор гап! Ўлимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Вали ака.. кейин босиғи билан гапирди: -Бекор хафа бўласиз, ўзингиз ўйлаб кўринг ахир.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. -*Бу гапни бекор бошлаб қўйибман, — деб ачинди Қудрат.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Бекор айтибсиз Чакки айтибсиз, айтмасангиз ҳам бўларди. *Менинг келганимни унга бекор айтибсиз.* **Бекор кетди** Беҳуда кетди, зое бўлди; фойдаси бўлмади. *Ҳалол меҳнат бекор кетмайди.* ▬ *Ҳасан сўфи билан Алим бува: Унга тушунтирсак, зора .. «Халқ меҳнати бекор кетмасин, халқ беҳуда жабр кўрмасин», деб халққа ачинар, шафқат қилар, деб келган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Узоқ машқлар бекор кетмаган экан.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *кесим взф.* Ёлғон, нотўғри; фойдасиз. *Бир йилдан бери ярали қалбида ардоқлагани, жамоа мени бир кўрсам деб зору интизор бўлгани бекор, бекор!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Йиғламагин, асло қўрқма, Аҳмаджон, Ҳамма сўз бекордир, Худойдан бўлди.* «Юсуф ва Аҳмад».

БЕКОРГА *рвш.* **1** Ҳеч қандай наффойдаси бўлмагани ҳолда; бефойда, беҳуда. *Муҳаррир.. бир ярим соат бекорга ўтган вақтга ачиниб, бизга қулоқ берди.* А. Қаҳҳор, Бек. *Одамлар бекорга овора бўлмасин дейманда.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Танланган асарлар, муқаддас қурбонлар бекорга кетмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Арзирли сабаб, асос бўлмагани ҳолда; бўлар-бўлмасга, важ-сабабсиз; ўринсиз. *Аниқроқ қилиб айтинг, Муса ака, Бўтабой бекорга ёмон отли бўлиб қолмасин.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бекорга йиғлайсан, Раъно! Йиғидан бир фойда чиққанини эшитганмисан ёки мени ҳам йиғлатмоқчимисан?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. «*Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин», деб бекорга айтмаганлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Пул ёки ҳақ олмай, тўламай, текинга; бепул. -*Юкни бекорга ташиймизми, қобирғамиз синай деди! — қичқиришди бошқалар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бекорга ҳам олмайди ҳеч ким бу эшагингизни.* «Латифалар».

БЕКОРДАН-БЕКОР(ГА) 1 Мақсадсиз, беҳуда. *Бекордан-бекорга ўзини ўтга-чўққа уришдан нима фойда.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Асоссиз, сабабсиз. *Бекордан-бекорга ишдан олиб ташлаш қийин.* С. Зуннунова, Янги директор. *Мўминлар, нега қараб турибсиз, бу шайтонбачча битта авлиё одамни бекордан-бекорга ўлдириб кета берадими?* К. Яшин, Ҳамза. *Уни бекордан-бекорга қамаб қўйиши қизиқ-ку!* Мирмуҳсин, Меъмор.

БЕКОРЛИК 1 Ҳеч нарса билан шуғулланмаслик, ишсизлик, беишлик; бўшлик.

2 *айн.* **бекорчилик.**

БЕКОРЧИ 1 Ишсиз, бекор юрувчи, қўли бўш. *Бекорчидан безиб қоч, Чақимчидан — кўчиб.* Мақол. ▬ *Қаёққа қарасанг, камбағал, бекорчи, нонга зор одамларни кўрасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ошхонада мудир эди — бўшатишди, ҳозир уйда, бекорчи.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Фойдаланилмай, ишлатилмай ётган; ортиқча; кераксиз. *Менда бекорчи пул йўқ. Бекорчи қоғоз.*

3 Асос-ҳақиқати йўқ; шунчаки, шунчаки айтилган. *Бекорчи ҳазил чинга айланиб кетди, ахир.* «Аския».

Бекорчи гап Асос-исботи йўқ гап; таги пуч гап, бўлмағур, ёлғон гап. *Бекорчи гапларни қўйинг, касал бўлмасангиз, нега келдингиз?* А. Мухтор, Чинор.

БЕКОРЧИЛИК Ишдан холилик, ишдан қўли бўшлик; иш бўлмаган пайт. *Мамарасул бекорчиликдан пашша тутиб ўтирибди.* А.

Қаҳҳор, Асарлар. .. *соғ одамга бекорчиликдан ёмон дард йўқ экан.* С. Сиёев, Аваз. *Одамни балога дучор қилса қилсин, бекорчиликка маҳкум этмасин.* А. Мухтор, Асарлар.

БЕКОРЧИХЎЖА Бекор юрувчи; бемақсад санғувчи. *Қуруқ қайтиб борсанг, анави бекорчихўжалардан қутулиб бўпсан.* «Ёшлик». *Бир-икки бекорчихўжа унга ҳамроҳ бўлди.* П. Гадоев, Тушини сувга айтсин. *Қишлоқ аҳолисига яхши бўлиши баробарида бир гуруҳ бекорчихўжа қаланғи-қасанғиларнинг ҳам куни туғди.* «Ёшлик».

БЕКУЧ *кам қўлл. айн.* **кучсиз**. -*Тўғри,* — *деди афанди,* — *сиз қудратли подшосиз.. Биз ожиз, бекучмиз.* «Латифалар». *Қари-қартанг бекучлар, Суяниб юр ҳассангди, Ҳасандайин мардларга, Қани жўра бўсангди.* «Равшан».

БЕЛ I **1** Орқа суякнинг (умуртқа поғонасининг) пастки қисми. *Одамнинг бели. Отнинг бели. Бели букчайган. Бел мускуллари. Бел оғриғи.* ▬ *Бели синиб ётган сарбоз ҳам ойга тикилар, ундан нажот йўқ.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Бели оғримоқ Меҳнат билан машғул бўлмоқ; меҳнат-машаққат қилмоқ. -*Ёш, янги деҳқон-да, ҳали бели оғримаган!* — *дейди Холмирза ака.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Бел оғритмоқ** (*ёки* **қайиштирмоқ**) Жон койитиб, астойдил меҳнат қилмоқ. *Ҳа, бўлмаса, жонингиз ачиганими бу? Ерни белингиз қайишиб чопганингизда, жонингиз ачир эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бели оғримаганнинг нон еийшига қара** (*ёки* **нон еийшини кўр**) Ўзи ишламасдан, бировнинг меҳнати билан топилган нарсани қадрламай, тежамай сарф қилувчи одамга нисбатан айтилади.

2 Гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса ўртасидаги энг хипча қисми; биқин. *Бели йўғон одам. Бели хипча қиз.* ▬ *«Тортишмачоқ» бошланди: қиз томондан гупчакдек юм-юмалоқ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улар қизнинг бўйи, бели, елкаси ва қўлларини ўлчаб ёзиб олишди.* И. Раҳим, Ихлос. *Бувинисо икки қўли билан белини ушлаб, қаддини кўтарди.* Ойдин, Ҳикоялар.

3 *кўчма* Ён, чўнтак ёки белбоғ маъносида. *Белимда пул, бошимда савағичдан тўқилган катта қафасда куккулаб турган бир жуфт қумри.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Беш-ўн қоғозни белимга тугиб, уст-бошимни бут қилиб.. юртимга жўнаб кетай дегандим.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Белимдаги зоғора нонни сувга ботириб еб, кунни кеч қилдим,— деди қаландар йигит Авазга.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бирор нарсанинг ўрта қисми, ўртаси. *Шўхсой қишлоқнинг қоқ белидан айқириб оқади.* Ҳ. Назар, Сўнмас чақмоқлар. *Пўлат абзал, найзалар синиб борар белидан.* «Нурали». *У [Қўқон] Сўх дарёси ва ундан тарқалиб чиқадиган кўплаб ариқлардан суғориладиган воҳанинг ўрта белида жойлашган.* К. Яшин, Ҳамза.

5 *кўчма* Жисмоний ёки моддий кучнинг рамзи. *Ёмонга эл бўлгунча, Яхшига бел бўл.* Мақол.

Бел олишмоқ (*ёки* **ушлашмоқ**) 1) куч синашмоқ (курашда, жангда). *Элмурод саҳн ўртасида тўпланишган ёшлар томонга кетди. Бу ерда кураш бошланган бўлиб, Давлатёр билан Маъмуржон бел олишмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) *кўчма* ким ўзарга ўйнамоқ, мусобақа, рақобат қилмоқ. *Бел ушлашганда, отангни аяма.* Мақол. ▬ *Сидиқжон сизга шогирд тушмоқчи. Маллавой кулди: -Мен билан бел ушлашмоқчи денг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 *геогр.* Тоғ ва тепаликларнинг эгарсимон энг баланд жойи. *Бўз йигитлар бир ғайрати тошиб, Неча тоғдан, неча беллардан ошиб..* «Ёдгор». *Сени минган беклар дарёдай тошди, Неча белу неча тоғлардан ошди.* «Маликаи айёр».

Бел боғламоқ Бирор ишга астойдил киришмоқ, жазм қилмоқ. *Дўстларим.. Сиз билан биз улуғ ишга бел боғладик. Бу ғоят хатарли иш. Аммо биз қўрқмаймиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бобур жуда бир қалтис ишга бел боғлаганини сезди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Белига тепмоқ** Бирор ишга, айни қизиб турган, долзарб пайтида истамаган, кутилмаганда халал бермоқ, путур етказмоқ. *Сенмисан? Аммо уйқунинг ҳам белига тепдинг-да, Тинчликми ўзи?* О. Ёқубов, Пьесалар. *Суҳбат авжига чиққанда кириб келган икки йигит гапнинг белига тепди.* С. Маҳкамов, Дала тонги. **Белини кўтармоқ** 1) қаддини тик қилмоқ; қоматини ростламоқ; 2) моддий жиҳатдан кучли, қудратли бўлмоқ, қилмоқ. *..экин майдонларини кўпайтириш.. колхознинг белини кўтаришга катта куч бўлар эди.* С. Зуннунова, Олов. **Белини синдирмоқ** Катта

моддий, жисмоний ёки маънавий зарар етказмоқ. *Беҳуда ҳаракат белни синдиради.* Мақол. ▬ *Гапнинг белини синдирманглар, жим туринг, Ҳайдарча гапираверсин.* С. Айний, Жаллодлар. *..ҳосил нобуд бўлди, ишимизнинг бели синди.* С. Айний, Қуллар. **Бели узилмоқ** Ҳалок бўлмоқ; енгилмоқ. *Биз худонинг суйган бандаларимиз, бизга осилганларнинг бели чўрт узилади!* К. Яшин, Ҳамза. **Белини букмоқ** Енгмоқ, майиб қилмоқ, ҳалок қилмоқ. *Тўғри, сенинг қароринг жуда тўғри, қуролимиз бўлмаса, Куропаткин белимизни букиб қўяди!* Н. Сафаров.

БЕЛ II Ер қазиш, сочилган нарсаларни олиб солиш, тўплаш учун ишлатиладиган ёғоч сопли темир қурол; белкурак. *Бел билан ер кавламоқ. Белни пешлаган билар, ерни ишлаган билар.* Мақол. ▬ *Кўп гапиргандан кўра, қўлингга белни ол-да, газага чиқ.* «Ёшлик».

БЕЛАЗЗАТ [бе.. + лаззат] *айн.* **лаззатсиз 1**. *Нархи қиммат, ўзи белаззат овқат қайси ошхоналарда топилади.* «Муштум».

БЕЛАК *шв.* Чақалоқ беланадиган мато; кўттик, кетлик.

БЕЛАМОҚ I Чақалоқни бешикка ётқизиб, қўлбоғ, оёқбоғ билан боғламоқ. *Салима ўз боласини бешикка белади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Жубарой қизчасини бешикка беладида, ошга уннаб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БЕЛАМОҚ II **1** Юқадиган нарсаларга (ун, тупроқ, бўёқ сингари) ботириб, қориштириб ёки булғаб, ҳамма ёғини шу нарса билан қопламоқ; буламоқ, чапимоқ. *Тупроққа беламоқ. Қонга беламоқ.* ▬ *Бутун Олтинсойга мазах бўлганингни биласанми? Ор-номусимизни лойга беладинг, доғи ўлгунча кетмайдиган бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Энди эшикдан бир қадам нари жилсанг, пичоқни тўрт жойингга ураман-у, танингни қонингга белайман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма с.т.* Бошдан-оёқ ўрамоқ, кийинтирмоқ; қопламоқ. *Шойига беламоқ.* ▬ *-Вой, овсар, — деди энтикиб. — Мен сени зарга белаб қўяман, билдингми?* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Ман ношуд болаларни оч, сизни кир-чирга белаб қўйиб, ўзим олтин-зар тақиб юрибман!* С. Нуров, Нарвон. *Қуёш ерни нурга беламай, Эркак кетди жанггоҳга томон.* Х. Даврон, Қақнус.

БЕЛАНГ *фольк. айн.* **беланги.** *Бели-бели беланг от, Бели нозик курранг от.* «Топишмоқлар».

БЕЛАНГИ 1 Бели майиб бўлган ёки оғир ишдан белини кўтара олмай қолган. *Беланги от. Оғир тош кўтариб, беланги бўла ёздим.* ▬ *Йўқ-йўқ, ҳовлиқма! Бердисини айтгунча, кишини беланги қилиб қўйма тағин.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Беланги бўлиб қолувдим. Пидина [ялпиз] толқонига новвот гулини қўшиб, кап отгандим, шу ёрдам бердими, шифо топдим.* С. Нуров, Нарвон.

2 *кўчма* Иқтисодий жиҳатдан кучсиз, ўтириб қолган; хонавайрон бўлган. *Бир нобоп раис қўлида беланги бўлиб қолган бу колхозга Раҳимахон Исмоилова раис қилиб сайланди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БЕЛАНМОҚ 1 Беламоқ I фл. мажҳ. н. *Ноилож бола яна бешикка беланди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. *Бола онасига кўзи тушиши билан, беланган оёқ-қўлини питиллатганча бўшатишга уринди.* «Ёшлик».

2 Беламоқ II **1** фл. мажҳ. н. *Қонга беланмоқ. Лойга беланмоқ. Чангга беланмоқ. Мойга беланмоқ.* ▬ *Чол қора қонга беланиб, ерга чалпак бўлиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза. *Энди у чангга беланиб, тупроққа ботиб юрган гўдак эмасди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Балчиққа беланган қўлларида бир даста бойчечак силкиниб-силкиниб келар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *кўчма* Қопланмоқ, чулғанмоқ, тўлмоқ. *Катта бинолар пештоқида сон-саноқсиз лампочкалар маржони порлади, арчалар нурга беланди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Осмон самовий нурларга беланиб, музайян бўлди.* «Шарқ юлдузи».

4 Кийинмоқ; ўранмоқ, кўмилмоқ. .. *муқарриблар кимхобларга, хитойи шоҳиларга беланиб киришди.* Ойбек, Навоий. *Оққа мунча беланибди у одам?* Ҳ. Олимжон.

БЕЛАНЧАК 1 Чақалоқларни ётқизиб овутиладиган ёки ухлатиладиган, арғимчоқдек ёки бешикдек тебратиладиган мослама. *Ойим эса беланчакка уланган ипни ҳар замон-ҳар замон силкиб-силкиб қўяди.* М. Хидир, Қирғоқлар. *Четан девор ортидаги қўрғонча айвонида ёшгина жувон беланчак тебратиб, қўшиқ айтарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *кўчма* Дунёга келиш учун сабаб бўлувчи, вояга, камолга етказувчи; аллаловчи нарса ҳақида. *Бахт беланчаги. Замин белан-*

чаги. ▬ *Кетмасин бошимиздан асло бахт беланчаги.* А. Орипов. *Сенга алла айтди кекса самовот, Эгилиб заминнинг беланчагига.* Э. Воҳидов. *Ҳалигина ширин уйқунинг беланчагида аллаланилаётган жангчилар дув кўтарилди, гўё сокин ўрмонда ногаҳон ўқ узилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

БЕЛАНЧАКСИМОН Беланчакка ўхшаб кетадиган. *Беланчаксимон замбил ёнига чўнқайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БЕЛАНҒИЧ Тебранадиган, айланадиган. *Биринчи хонада давра стол ва 4—5 та юмшоқ стул, бурчагида беланғич кресло..* А. Ҳакимов, Илон изи.

БЕЛАТ [*р.* билет] *с. т.* Билет.

БЕЛАТЧИ *с. т.* Билет сотувчи ёки билет текширувчи. *қ.* **билетчи.**

БЕЛАШМОҚ I **Беламоқ** I фл. бирг. н. *Чақалоқни бешикка белашди.*

БЕЛАШМОҚ II **1 Беламоқ** II фл. бирг. н. *Улар мени қорга белашди.*

2 *айн.* **беланмоқ 2.** *Ярим кечада.. бир оғилнинг охуридан [куёвни] қонга белашиб ётгани ҳолда топганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЕЛБОҒ 1 Белга боғланадиган, тўртбурчак рўмол шаклидаги гулли ёки гулсиз, четлари тикилган мато парчаси; қийиқ, қийиқча. *Шоҳи белбоғ.* ▬ *Нозим Зуҳранинг бошини аста силаб, ўз кўз ёшини белбоғи учига артди.* «Гулдаста». *У дўпписининг жиягини қайтариб, шоҳи белбоғ билан боғлаб олган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Умуман белга белбоғ каби боғланадиган нарса. [*Шарофат*:] *Эшигимизга увада тўну чилвир белбоғ билан келган эдинг. -Нима билан чиқиб кетдим? [деди Сидиқжон].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Ҳар нарсанинг ўрта белидан ўтган фаразий чизиқ ёки ҳалқа; экватор. *Энди биз Ернинг белбоғидан ўтдик, Жанубий яримшарга кирдик.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда. *Бу ердан ўтибди ернинг белбоғи, Беқасам тўн демак бу рангин диёр.* А. Орипов.

4 *кўчма* Қувват, мадор, кўмакдош. *Ошнам — белбоғим.* «Қанотли сўзлар». *-Нега ташлаб кетаман буни, — деди кампир, келиннинг сўзини рад қилиб, — Белимнинг белбоғи энди бу.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мен бораман элимга, алла, болам, Белбоғлар бергин белимга, алла.* «Бойчечак».

Белбоққа ёлчимаслик Бойимаслик, бири икки бўлмаслик. *Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига: эшитганмисан?* Ойбек, Танланган асарлар. *Водопровод бор-у, бўзчи белбоққа ёлчимас дегандек.. Қоратепа, Панжикент кўчаларидаги кранларда сув йўқ.* «Муштум». **Белбоғ ечилмай** Қийинчиликсиз, тезда. *Сиз тикилган иш белбоғ ечилмай битади. Ҳаммага қоронғи бўлса ҳам, менга аён.* Ҳамза, Танланган асарлар. **Белингда белбоғинг борми?** Йигитмисан? Йигитлик ғururинг борми? [*Хонзода Ғофирга*:] *Белингда белбоғинг борми? Қандай шарманда, худо урган эркаксан?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Одамларни ҳашарга айтиб қўйдим. Белида белбоғи бори келаверади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

БЕЛБОҒЛИ Белида белбоғи бўлган, белбоғ боғлаган. *Қизил шойи белбоғли йигит.*

БЕЛБОҒЛИК Белбоғ учун яроқли ёки етарли. *Бир белбоғлик газлама. Белбоғлик шоҳи.* ▬ *Найкамалак деҳқон белида, Белбоғликка ярайди арқон.* Абдулла Шер, Қадимги куй.

БЕЛБУРМА Бел қисми (бели) бурмалаб тикилган; бели бурмали. *Заргаровнинг қабулида белбурма бахмал камзул кийган дилбаргина бир жувон ўтирарди.* А. Мухтор, Асарлар.

БЕЛГИ 1 Таниб олиш, кўрсатиш ёки фарқлашга хизмат қилувчи нарса; нишон, аломат; тамға. *Йўқолган боланинг белгилари. Фабрика белгиси. Белги қўймоқ. Белги солмоқ. Белги бўлса, йўлдан адашмас, Ақл бўлса, сўздан адашмас.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Яхши хотин белгиси — хиром қилар терини, Ёмон хотин белгиси — ерга букар эрини.* Мақол. ▬ *Инсонликнинг энг дастлабки белгиси меҳнатсеварликдир.* Газетадан.

2 Бирор маъно, мазмун ёки миқдор ифодалайдиган график аломат, ишора. *Сўроқ белгиси* (*тлш.*). *Тенглик белгиси* (*мат.*). *Нота белгилари. Тиниш белгилари* (*тлш.*) *Товушларнинг график белгиси. Кимёвий элементларнинг белгилари. Стенография белгилари.* ▬ *Кирди-ю, эшик олдида сўроқ белгиси бўлиб тураверди.* «Ёшлик». *Олисда оқ қобирғали улкан кемалар кўринади. Ундан берироқда чекловчи белгилар — қизил байроқчалар липиллаб турибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 Нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти, сифати. *Буюмларнинг сифат ва хусусиятлари логикада белгилар деб аталади.* «Логика». *Гапда отнинг бирор белгисини бил-*

дириб, «қандай?», «қанақа?», «кимнинг?», «ниманинг?», «нечанчи?» каби сўроқларга жавоб бўлиб келган иккинчи даражали бўлак аниқловчи деб аталади. «Ўзбек тили дарслиги».

4 Ички кечинма, ҳолатдан, касалликдан далолат берувчи ташқи аломат; рамз. *Сукут — розилик белгиси.* Мақол. *Бахт белгиси — билим.* Мақол. ▬ *Содда муомала яқинлик ва меҳрибонлик белгисидир!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [*Гулнорнинг*] *Думалоқ қора кўзларида яширинган алам-ҳасрат белгисини Адолат дарров пайқаб олди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Раъно табассум билан жавоб берди ва унда бир оз қизариниш белгиси бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Эрининг бу жасоратига қарши Офтоб ойимнинг юзига ризосизлик белгиси чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Касалликнинг [тепкининг] асосий белгиларидан бири қулоқ атрофи ва жағ суякларининг оғришидир.* «Саодат».

БЕЛГИЛАМОҚ 1 Белги қўймоқ; белги, аломат қўйиб, таниқли қилмоқ, ажратмоқ. *Ислоҳотда ўзимга теккан ерни белгилаб, қозиқ қоққанимда.. кўп нарсаларни мўлжаллаб қўйган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Бирор шартли аломат, ишора билан ифодаламоқ. *Номаълум сонни «х» билан белгилаймиз. Буйруқ мазмунини ундов белгиси билан белгиламоқ.*

3 Бирор хусусияти, кўриниши ва ш. к. га асосан аниқламоқ, фарқламоқ. *Қирқ ёшлардаги бир киши кирди. Қодир бу одамнинг афтидан касб-корини белгилай олмади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

4 Олдиндан чизиб, режалаб, тайин қилиб қўймоқ. *Мажлис кунини белгиламоқ. Тўй кунини белгиламоқ.* ▬ *Ҳукуматимиз Наврўз кунини дам олиш куни этиб белгилади.* Газетадан. *Соат олтига белгиланган тўй соат ўндан ошганда бошланибди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Йиғилиш жуда қисқа бўлганига қарамай, одамлар белгиланган вақтдан анча эрта тўпландилар.* С. Кароматов, Олтин қум.

5 Бирор мақсад учун мўлжалламоқ, танламоқ, кўзлаб қўймоқ. [*Ҳасанали*] *Миниб кетиш учун Қутидорнинг саман йўрғасини белгилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Холида анча айланиб юрди. Ит боғлайдиган жойни ўзи белгилади.* С. Аҳмад, Сайланма.

6 Ишга, мансабга қўймоқ, тайинламоқ. *Директор қилиб белгилади.* ▬ *Мусулмонқул.. қўй каби ювош Тошкент ҳокими Саримсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Ҳусайн Бойқаро] Жилонғорга Валибекни, Мирзойи Кичик ҳам Ислим барлосни сардор белгилади.* Ойбек, Навоий.

БЕЛГИЛАНМОҚ Белгиламоқ фл. мажҳ н. *Белгиланган вақтда. Белгиланган тартибда.* ▬ *Халқимизнинг куч-қудрати чин дўстликни қадрлаш билан белгиланади.* Газетадан. *Кема эскадрасининг тезлиги ундаги энг секин сузадиган кеманинг тезлигига қараб белгиланади.* Газетадан.

БЕЛГИЛАШ Белгиламоқ фл. ҳар. н. *Тўй вақтини белгилаш. Раис белгилаш.* ▬ *Мен хотин-қизлар учун ҳам бир нарса белгилашни сўрайман.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Анварнинг тўйларини қилмоқ ниятимиз бор эди.. деб тўғридан-тўғри фақат тўй вақтини белгилашни сўраши Султонали мирзога яна бошқа сирларни англатган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Белгилаш олмоши *тлш.* Нарса ёки белги ўрнида қўлланиб, уларни ажратиб, таъкидлаб ва умумлаштириб кўрсатадиган олмош, мас., *ҳар, ҳар ким, ҳар нарса, ҳар қандай.* ▬ *Предметларни белгилаш учун қўлланадиган олмошлар белгилаш олмоши дейилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

БЕЛГИЛИ 1 Нима экани аниқ кўриниб турган; белги қўйилган, белгиси, нишони бор; таниқли. *Белгили жой. Белгили қалам.* ▬ *Отабек китобни белгили қилиб ёпди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унга бир рўмол ўраб, белгили қилган ерим йўқ эди.* «Ёдгор».

Белгили қаратқич *тлш.* **-нинг** қўшимчасини олган қаратқич, мас., *мактабнинг қоровули.* ▬ *Баҳорда очилган боғнинг гулисан..* «Нурали».

2 Маълум, аниқ; белгиланган, муайян, тайинли. *Белгили тартибда. Белгили вақтда. Пайшанбанинг келиши чоршанбадан белгили.* Мақол. ▬ *[Сафар чўтир] Тушнинг узуқ-юлуқ гапларини бир-бирига улаб, белгили маъно чиқаришга тиришарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Оталар учун бундай гаплар унчалик ёмон таъсир бермаса-да, хотинларга қандай асар қилиши белгилидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Машҳур, таниқли. *Белгили одамлар.*

БЕЛГИЛОВЧИ 1 Бирор белги, хусусиятни аниқлаш билан шуғулланувчи (шахс). *Мол (товар)нинг сифатини белгиловчи бўлиб ишламоқ.*

2 Нималигини, қандайлигини аниқ белгилаб, кўрсатиб берувчи; ҳал қилувчи. *Белгиловчи омиллар.* ▬ *Киши характерини белгиловчи омиллардан бири – унинг нутқи[дир].* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Достон ва терма жанри бахшилар репертуарини белгиловчи жанрлар бўлиб, улар ҳаммавақт ўзларининг етакчи хусусиятларини сақлаб келади.* «ЎТА».

БЕЛГИСИЗ 1 Нималиги, қандайлиги аниқ ифодаланмаган; белги қўйилмаган, ишораси йўқ, таниқли эмас. *Бу моллар дўконга белгисиз келди.* Сўзлашувдан.

2 Номаълум, тайини йўқ, тайинсиз. *Келин-куёв ўз тўйларидан бенасиб бўлиб, белгисиз ёққа кетиб боришар эди.* С. Сиёев, Аваз. *У бу уйга яна қайтиб келаманми ё шу кетганча белгисиз йўлда дарбадар кезаманми, деган фикрни бошдан ўтказарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ногоҳ энтикди-ю, эгилди камон, Ўқ учди белгисиз ёқларга томон.* А. Орипов.

Белгисиз қаратқич *тлш.* **-нинг** қўшимчасини олмаган қаратқич, мас., *мактаб директори, қишлоқ оқсоқоли.*

БЕЛДАМЧА *шв.* **1** Белга ичдан боғлаб олинадиган иссиқ (одатда пахтали) белбоғ.

2 Бирор нарсага кўндалангига, белига қўйиладиган, ўрнатиладиган нарса. *..ҳар ўтовнинг белдамчаси кимхобдан.. керагаси кумушдан, остонаси тиллодан, бўсағаси ёқутдан..* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

БЕЛДОВ *шв.* **1** Тикилган ўтовнинг белидан ўраб боғланган арқон. *Уйни сулув кўрсатади оқ белдов ҳам бўсағаси.* «Қўшиқлар». *Куйамон алп отдан тушиб, отни уйнинг белдовига илдириб.. ичкарисига кирди.* С. Раҳимов, Алп.

2 Бешикнинг тепа қисмидаги ёғоч. *Чақалоқ бирдан тушган ёруғликдан кўзларини пирпиратиб, аввал бешик белдовидаги кўзмунчоққа, сўнг юзига бармоқ теккизган Муаззамхонга қаради.* «Ёшлик».

БЕЛДОР 1 *сфт.* Бели йўғон, бели бақувват; кучли. *Жўра.. аскарнинг юкини олиб.. белдор эшакка илдам ортиб.. пиёда кетди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Йўғон Усмон мироб – барваста, белдор, Соқол кўксида, кўзлар катта, ҳушёр.* Ҳабибий.

2 *от. тар.* Белкурак билан ишловчи; бел билан қуролланганлар. *Қўрғон ҳимоячилари дўлдек ёғаётган тошдан ва ўқлардан сақланиш учун ўзларини панага олган пайтларида.. белдорлар хандақнинг анчагина қисмини тўлдириб ташладилар.* М. Осим, Ўтрор.

БЕЛИЛА [< *р.* белый – оқ, оқ ранглиꞏ**]** Барча турдаги бўёқларга ва эмалларга қўшиладиган оқ бўёқ. *Қўрғошинли белила. Рухли белила.* ▬ *Юқорида айтиб ўтилганлар ичида рухли ва титанли белилалар кўп ишлатилади.* «ЎзМЭ».

БЕЛКАШ Пахсачининг бел билан лой отиб бериб турувчи ёрдамчиси. *Белкаш бақувват бўлса, иш унади.*

БЕЛКУРАК *айн.* **бел** II. *Ҳар хонадоннинг томида қум тўлатилган яшик, ёнида белкурак, чангак ва қизилга бўялган челак бор.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Иш қанча оғир бўлмасин, бари бир кетмон, белкурак асосий иш қуроли бўлиб қолади.* С. Аҳмад, Уфқ.

БЕЛЛАДОННА [*итал.* belladonna – гўзал хоним, соҳибжамол] **1** *бот.* Томатдошлар (итузумдошлар) оиласига мансуб кўп йиллик заҳарли ўт. *Белладоннанинг ҳамма қисми алкалоидларга бой.* «ЎзМЭ».

2 Ўша ўтдан тайёрланадиган дори. *Овқатдан олдин ва кейин кодеин, белладонна, валериан томчиси каби дорилар берилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

БЕЛЛАШМОҚ 1 Бел олишмоқ, куч синашмоқ (курашда, жангда). -*Қани, бахташ таваккал. Ўртоқ Дўсматов билан бир беллашиб қўяй, – деди Мели полвон.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кураш майдонига тушган полвон – эр Беллашиб олмоққа ҳариф чақирар..* М. Шайхзода, Тошкентнома.

2 Мусобақалашмоқ, ким ютар (ўзар) ўйнамоқ. *Шу куни футбол майдонларида ҳам қизиқарли беллашувлар ўтказилди.* Газетадан. *Каналда не-не полвонлар беллашмади, не-не одамлар ўзини кўрсатмади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Куйди-пишди йигит Мўминов ўз устози билан беллашмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БЕЛЛАШУВ Мусобақа, кураш. *Беллашувга чақирмоқ. Беллашувни бошламоқ. Бизнинг синф беллашувда ютиб чиқди.* ▬ *Беллашувга келган созандалар ҳаммаси бўлиб 57 киши.* Газетадан.

БЕЛЛЕТРИСТ Беллетристик асар ёзувчи адиб, насрий асарлар муаллифи.

БЕЛЛЕТРИСТИК Беллетристикага, насрга оид. *Беллетристик асар.* ▬ *Шу нарса аниқки, очеркнинг.. баъзи намуналари ҳикоя ва қисса каби соф беллетристик жанр намуналарига ўхшайди.* «Шарқ юлдузи».

БЕЛЛЕТРИСТИКА [*фр.* belles lettres – гўзал, нафис адабиёт] Наср билан ёзилган бадиий адабиёт (роман, қисса, ҳикоя ва бошқалар). *Мемуарларда ҳам, беллетристикада ҳам, афсуски, тарихий ҳақиқатдан айрим чекинишлар рўй бермоқда.* Газетадан. *Ҳақиқатан ҳам очерк бадиий-публицистик жанр бўлиб, унда беллетристика элементлари публицистика элементлари билан узвий бириккан ҳолда учрайди.* «ЎТА».

БЕЛЛИ I Дангал, фойдали, мазмунли. *Эллик гапдан белли гап яхши.* Мақол.

БЕЛЛИ II: **марал белли, қиз белли** Марал (кийик)нинг, қизнинг белига ўхшаш, нозик. *Йилқи ичинда ўзи келган синлидир, Тўбичоқ туёқли, марал беллидир.* «Муродхон». *Остимга минганим қиз белли тулпор.* «Маликаи айёр».

БЕЛЛИК 1 *шв.* Жазлиқнинг остига қўйиладиган от абзали. *Чиргининг устидан қўйди белликни, Белликнинг устидан жаҳалдирикни.* «Ширин билан Шакар». *Омборхонадан от абзалларини – терлик, беллик.. қуюшқон, юган, узангили эгарни қўлтиқлаб келдим.* «Ёшлик».

2 *шв.* Белбоғ. *Белига беллик, қўлига қўллик, тўшига чоройна, бошига дубулға кийди.* «Нурали».

3 *махс.* Арава ғилдираги тўғинининг икки учи бирлашган жойни қисиб турадиган иккита параллел кегай.

БЕЛМА-БЕЛ : белма-бел олишмоқ *айн.* **бел олишмоқ** *қ.* **бел** I **5**. *Белма-бел олишса, ажрим бўлади. Зўр деганинг маълум бўлиб қолади.* «Алпомиш». *Белма-бел олишди бу икки шерлар, Шудгор бўлиб кетди олишган ерлар.* «Баҳром ва Гуландом».

БЕЛОРУС 1 Белоруссия мамлакатига мансуб туб халқнинг (миллатнинг) номи. *Концертда рус, украин, белорус, ўзбек, қозоқ, грузин, тожик, марийдан иборат саккиз миллат иштирок этди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Белорус аёл. Белорус адабиёти.*

БЕЛОРУСЛАР Белоруссия Республикасининг (туб) аҳолиси, белорус халқи.

БЕЛОРУСЧА 1 Белорус санъати ва маданиятига, белорусларга оид. *Белорусча рақс. Белорусча кийим.*

2 Белорус тили. *Белорусчага таржима қилмоқ. Белорусча гапирмоқ.*

БЕЛУГА [*р.* белый – оқ, оқ рангли] Осётрсимонлар оиласига мансуб, ярим ой шаклидаги катта оғизли оқ балиқ.

БЕЛУЖ *этн.* Асосан Эрон, Афғонистон ва Покистонда яшовчи, эроний тиллар гуруҳига мансуб тилда сўзлашувчи халқ ва шу халқ вакили. *Белуж халқи. Белуж тили. Белуж рақси. Белуж аёл.*

БЕЛУХА *зоол.* Дельфинсимонлар оиласига мансуб сутэмизувчи ҳайвонларнинг ягона вакили; йирик дельфин.

БЕЛЧА 1 Бел II с. кичр. шакли. Сабзавот экинларини ўташ, тагини юмшатиш учун ишлатиладиган ёғоч дастали кураксимон темир асбоб.

2 Пойафзалга мих қоқилганда, ичидан тешиб чиқадиган михларни қайтариш («ўлдириш») учун ишлатиладиган асбоб.

3 Тикилаётган оёқ кийимлар (этик, маҳси, кавуш) тагчарми, пошна дастагининг ортиқча жойини кесиб ташлаш учун ишлатиладиган асбоб. *Унинг отаси – Обидхўжа вофурушни дегрезлик уста Турдиали деган бир маҳсидўз белча билан чавақлаб ўлдирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Тунукасозлик ва темирчиликда: қўрага кўмир солиб туриладиган темир куракча. *Белча билан кўмир ташламоқ.*

БЕЛЧАЛАМОҚ Белча билан юмшатмоқ; чопмоқ. *Қулупнайни белчаламоқ.*

БЕЛЧИ *айн.* **белкаш**. *Оқтанги қишлоғи қабристонининг пахса деворига қўли теккан. Манман деган белчиям бас келолмайдиган пахсачи Аҳмад кўчакка лой олиб берган.* «Ёшлик». *..девкорга кўнгилдагидек лой узатиб турадиган белчи ягона.. У ҳам бўлса, Эргаш даканг.* «Ёшлик».

БЕЛЬВЕДЕР [*итал.* belvedere – кўркам манзара] Бино усти ёки баланд жойга призма ёки доира шаклида, баъзан гумбазли қилиб қурилган алоҳида хона.

БЕЛЬГИЯЛИК Бельгиянинг туб аҳолиси. *Бельгиялик аёл. Бельгиялик киши.*

БЕЛЬТИНГ [*ингл.* belting – ҳаракатлантириш тасмаси] Транспортёр, элеватор ленталари ва резиналанган қайишлар тайёрланадиган оғир ва пишиқ газлама.

БЕЛЬЭТАЖ [*фр.* bel – чиройли, etage – қават, ярус] Томоша залида партер ва амфитеатр устига қурилган, ўриндиқлар қўйилган айлана пешайвон, биринчи ярус.

БЕЛЎРОҚ Ўтни тик туриб ўришга мўлжалланган узун сопли катта ўроқ. *[Уста] Ўроқ, пойтеша, белўроқ, узанги.. кўпроқ отларга нағал ясарди.* А. Суюн, Олис тонглар.

БЕМАВРИД [бе.. + мавврид] *рвш.* **1** Номақбул пайтда; бемаҳал, бевақт. *Бемаврид келган меҳмон. Эшик бемаврид тақиллади.* ▬ *Бемаврид бўлса ҳам, келавердим.* Мирмуҳсин, Умид. *Бемаврид ярасига туз сепганимдан афсусландим.* «Ёшлик».

2 Ўринсиз, ноўрин. *Кечирасиз, ўртоқжон, бемаврид ҳазил қилибман.. Қаердансиз?* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Козим бемаврид қизишганини, Назар билан хотиржам гаплашиш зарурлигини сезди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

БЕМАДОР [бе.. + мадор] *айн.* **мадорсиз**. *Уст-боши йиртилган сонсиз чоракор, Меҳнат, алам даштида кезар бемадор.* Ғайратий. *У [Абдулла Саид] чўпдек озиб, бемадор бўлиб қолган.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

БЕМАДОРЛИК Куч-қуввати камлик, дармонсизлик, кучсизлик. *Онажон, ҳозир етмиш икки томирингизда ёшлик қони югуради, сиз бемадорликдан, кам қувватликдан.. бари-баридан халос бўласиз.* «Ёшлик».

БЕМАЖОЛ [бе.. + мажол] Мажоли, кучи, дармони кам, ҳолдан тойган; кучсиз. *Бемажол кампир.* ▬ *Салимхоннинг юраги қўрқинч бир нарсани сезиб, оёқларидан мадор кетди, креслога бемажол ўтирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳафиза шу кундан бошлаб кўрпатўшак қилиб ётиб қолди, у негадир бемажол ва беруҳ эди.* Мирмуҳсин, Умид.

БЕМАЖОЛЛИК Дармонсизлик, кучсизлик. *Мунисхон бирдан орқага тисарилди. Юраги қаттиқ ўйнаб, бемажоллик билан олдинга тикилди.* С. Зуннунова, Излар.

БЕМАЗА [бе.. + маза] **1** Оғизга хуш ёқмайдиган, таъми ёмон; таъмсиз, лаззатсиз. *Бемаза овқат. Бемаза тарвуз. Бемаза қовуннинг уруғи кўп.* Мақол. ▬ *Касалга асал ҳам бемаза бўлиб кўринади.* «Қанотли сўзлар». *Йўлчининг тақачи ошнаси Қоратой оч қорнини бемаза мошхўрдага тўлдириб.. совуқ уйда хомуш ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оғзи бемаза 1) оғзи овқатнинг мазасини, таъмини сезмайдиган (баъзи касалликлар сабабли). *Сидиқжон, гарчи ҳануз оғзи бемаза ва боши оғирроқ бўлса ҳам.. кампирнинг меҳрибончиликлариданми, кўнгли кўтарилиб, жуда енгил тортди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) беадаб гапларни кўп гапирадиган; чакки оғиз. *Оғзи бемаза одам.*

2 *кўчма* Бадиий заиф, эстетик завқ бера олмайдиган; бемаъни, сийқа. *Бемаза асар.* ▬ *Бемаза китобни-ку жонга теккан жойда шартта ёпиб қўйса бўлар, бироқ умр китобини-чи?* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Бунақа бемаза суратларнинг авторлари институтда кўп эмас.* «Муштум».

3 Ярамас, ёқимсиз, бемаъни, ёмон. *Бемаза одам.* ▬ *-Акам бемаза чиқди-да,– деди Ҳамид Мунавварга.* С. Анорбоев, Меҳр. *Бемаза қизнинг бўлмас ҳаёси..* «Гулихиромон». *Э, бунақа бемаза телевизорни сотиб юборинг.* «Аския».

4 Одоб-ахлоққа хилоф, одобдан ташқари; беҳуда, бекорчи. *Бемаза қилиқлар. Бекорчидан бемаза гап чиқади.* Мақол. ▬ [*Гулшан*:] *Бемаза гапларни қўйинглар, ухлайлик!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Бемаза қилмоқ 1) мазасини, туз-намагини меъёрда қилмаслик; 2) таъбини хира қилмоқ, жонига тегмоқ, тинчини бузмоқ. *Аммо шаллақи бир кампирнинг уйида тураман; кўп бемаза қилаётир-да.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Айниқса тўриқ тойча тутқич бермай, Мирвали аканинг бемазасини бешта қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон; 3) тобини қочирмоқ; баттар қилмоқ. *Иситма жуда бемаза қилди.*

БЕМАЗАГАРЛИК *айн.* **бемазагарчилик.**

БЕМАЗАГАРЧИЛИК Бўлмағур иш, ножўя хатти-ҳаракат; номаъқулчилик. *Бу қанақа бемазагарчилик! Ошдан пашша чиқди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Ҳалол, пешона тери билан топилган пулга бунақанги бемазагарчилик қилинмайди, албатта.* Газетадан.

БЕМАЗАЛАШМОҚ 1 Одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари чиқмоқ; ёмонлашмоқ. *Ишлар бемазалашиб кетди.* ▬ *Ҳури.. аскияда ҳеч қачон бачканалашиб бемазалашмас, меъёридан ўтиб кетмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 Суюқлашиб, сийқалашиб кетмоқ. *Санъатнинг бемазалашуви.*

БЕМАЗАЛИК 1 Таъми, мазаси йўқлик; мазасизлик, таъмсизлик. *Бемазалигидан оғизга олиб бўлмайди.*

2 Бўлмағур иш, ножўя хатти-ҳаракат. *Бемазалик қилмоқ.* ■ *Яқин бўлиб бемазалик чеккандан, олис бўлиб интизорлик яхшидир.* «Қўшиқлар». *Тарғилойнинг гапи ҳақ. Сенинг ўзинг бемазалик қилиб юрибсан, аблаҳ!* «Муштум».

БЕМАЗАЧИЛИК *с.т. айн.* **бемазагарчилик.** *Бекорчилик — бемазачилик.* Мақол.

БЕМАКОН [бе.. + макон] Бошида уйи, ватани йўқ; турар-жойсиз, бошпанасиз. *Бизлар ҳозир юрт устида қаландар, Бемакон, бенаво бўлган дарбадар.* «Ширин билан Шакар». *Бир бошимга раҳм қилди Қодир ўзи, бемакон.* «Нурали».

БЕМАЛОЛ [бе.. + малол] *рвш.* **1** Малоллик, ўнғайсизлик сезмай, тортинмай, ёзилиб; эркин, баҳузур. *Майли, хафа бўлманг. Аям билан бемалол тураверасиз.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бемалол ёзилишиб ўтиринглар! Ёмон кўрганим — ёшларнинг суҳбатига қариларнинг суқилиши.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Клара аёлларга хос чиройли ҳаракат билан сочини орқасига ташлаб юборди. Кейин ўз эри олдида тургандай бемалол ечина бошлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бемалол бўлса *крш. с.* Малол келмаса, малоллик қилмаса. [*Фотима домлага*:] *Келинг, домла почча! Бемалол бўлса, ана шу турган стулни менинг яқинроғимга қўйиб ўтиринг.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси. *Қўшни, бемалол бўлса, бизни холи қўйсангиз!* Уйғун, Асарлар.

2 Бамайлихотир, хотиржам; шошилмай. *-Хўп, майли, — деди Ўрмонжон,— бўлар иш бўлиб ўтибди. Энди бемалол, бехавотир ишлай беринг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Девор тагида катта сигир бошвоғини ерга ёйиб, бемалол кавш қайтариб ётарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тўсқинликка учрамай, бехавотир, осон, хавфсиз. *Эрталаб кўприк бошқатдан қилинди, энди ҳар қандай оғир юк билан бемалол ўтса бўларди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Орасидан қўқонарава бемалол юрадиган кенг, узун ишкомлар икки танобдан мўлроқ ерни ишғол этган.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Аниқ, яққол. *Алим бува юқоридаги қийғоч тешиклардан қаради. Ҳамма ёқ бемалол кўринарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Юпқа капрон кўйлакдан елкасидаги ҳуснбузарлари бемалол кўриниб турибди.* С. Аҳмад, Сайланма.

5 Тўлиқ равишда, бекам-кўст; етарли. *Жой ҳаммага бемалол етади.* ■ *[Ернинг] Ярмига сабзи, ярмига картошка экасан. Шу билан қишлигимиз бемалол чиқади.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ўтакетган бепарво, ғам-ташвишсиз киши ҳақида. *Ўзи бемалолнинг сўзи бемалол.* Мақол.

БЕМАСЛАК [бе.. + маслак] Бирор аниқ мақсадга, нуқтаи назарга эга эмаслик, ғоясиз. *Ахир ким кечирар бизни, биродар, Бемаслак қолдирсак, жон деб дунёни?!* У. Қўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

БЕМАСЛАҲАТ [бе.. + маслаҳат] Бошқалар билан кенгашмай қилинган; маслаҳатсиз. *Маслаҳатли иш битар, Бемаслаҳат иш кетар.* «Луқмони Ҳаким». *-Иншоолло! — деди Зағчакўз ва яна уқтирди: -Асло биздан бемаслаҳат иш қилманг, Мадаминбой. -Албатта, албатта, тақсир!* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕМАШАҚҚАТ [бе.. + машаққат] Қийинчиликсиз қилинган, осон, машаққатсиз. *Бемашаққат иш. Бемашаққат пул топмоқ.*

БЕМАШВАРАТ [бе.. + машварат] *кт. кам қўлл.* Кенгашмасдан, келишиб олмасдан, маслаҳат қилмасдан. *Улардан бемашварат иш қилинмагай.* Ойбек, Навоий.

БЕМАЪНИ [бе.. + маъни] **1** Одоб-қоида доирасидан ташқари; маъноси, мазмуни йўқ; маъносиз. *Бемаъни жумла.* ■ *Кишининг бемаъни гаплардан ўзини тийиши унинг мўминлиги нақадар чиройли эканлигидан далолат беради.* «Фан ва турмуш». *Унинг бемаъни жавдираган кўзларида ҳали ҳам қандайдир ҳусн сақланиб қолган эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Талъат биринчи курсданоқ Ҳамида деган қизни суюб қолган, шу қиз бўлмаса, дунё кўзига қоронғи, бемаъни кўриниб кетарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Қуруқ сафсатадан иборат бўлган; ҳақиқатга мутлақо зид; асоссиз; кераксиз, беҳуда. *Ҳа, бугун ҳам анча бемаъни суханбозлик қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Қанчалик бемаъни, қанчалик бемаъни ўйлар! — юзини кафти билан бекитиб жилмайди Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу айб шунчалик уйдирма ва бемаъники, прокуратура ходимига батафсил жавоб бериб ўтиришни лозим топмадим.* О. Ёқубов, Излайман.

3 Одоб-ахлоқдан ташқари, ярамас; бемаза, бўлмағур. *Бемаъни қилиқлар.* ▬ *Асалнинг шунақа бемаъни ишлари кўплигидан биз ҳам.. куйиб ётибмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Хотинларнинг бемаъни қийчуви.. ҳамма ёқни тутди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмад ҳам жилмайди. У бемаъни қаҳқаҳани, мунофиқона ҳиринглашларни ёмон кўрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 Ножўя, бемаза ишлар қиладиган, ёмон, ярамас; бўлмағур. *-Ғози эшон ҳузурингизда экан! — деди махдум, — ўзи кўп бемаъни одам. Зиёфат-миёфат деб, яқин бир соат вақтимни олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БЕМАЪНИГАРЧИЛИК Кишига номуносиб, одобдан ташқари хатти-ҳаракат; бемазагарчилик, номаъқулчилик. *Бошлиқларга ҳам ҳайронсан-да, айрим кишиларнинг шунақа бемаънигарчилигини кўрабила туриб, индашмайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

БЕМАЪНИЛИК 1 Одоб қоидаларига сиғмаслик; номаъқуллик; ножўялик. *Шу қисқа умрни ҳам дағаллик, бемаънилик, ярамас хулқ-атвор билан ўтказиш одамга жуда алам қилади.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Ядро урушининг бемаънилигини яхши тушунувчи олимларнинг овози бугун бутун планетада баралла янграмоқда.* Газетадан.

2 *айн.* **бемаънигарчилик**.

БЕМАЪНО [бе.. + маъно] *юқ. усл. айн.* **бемаъни 1-3**. *Бектемир[га].. атрофдаги ҳамма нарса аллақандай бемаъно, ноўрин, робитасиз туюларди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Содиқ чўпонни келтиришганида, у гоҳ ўзига келар, гоҳ яна оғзидан кўпик чиқариб, бемаъно кўзларини шипга тикканча чақчайиб қоларди.* «Ёшлик».

БЕМАЪРИФАТ [бе.. + маърифат] Илму саводдан бебаҳра; таълим кўрмаган, чаласавод. *Эй, бемаърифат эшон! Эшон бўлмай қол, афв қилмоқ — худога, осий бўлмоқ бандага хос.* Ҳамза, Заҳарли ҳаёт. *..ўзимиз мадраса кўрмаган бўлсак ҳам, бемаърифат эмасмиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БЕМАҚСАД [бе.. + мақсад] Бирор орзу ёки ниятга қаратилмаган ёки интилмаган; мақсадсиз. *Бемақсад юриш. Беҳуда, бемақсад ўтган умр.* ▬ *[Темиржон] Сершовқин, серқатнов йўлка бўйлаб бемақсад, беихтиёр борар экан, ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка уринарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бемақсад одамдир — асли ўликдир.* «Нурали».

БЕМАҲАЛ [бе.. + маҳал] **1** *от* Кеч тун пайти. *Пирим бойваччаникидалар. Бемаҳал бўлиб қолганидан, ўша ерда тунаб қоладиган бўлдилар.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳожи унинг қўлини олар экан, ўрнидан турди: -Энди мен кетай, бемаҳалга қолмай, — деди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 *рвш.* Номувофиқ, номақбул, ўринсиз пайт. *Бировнинг уйига боқма, бемаҳал эшикни қоқма!* Мақол. ▬ *Деҳқонлар билишадики, бемаҳал [ёққан] ёмғир ғўзага шира туширИб юборади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бемаҳал даштликка кўтардингиз қўл.* «Ёшлик».

3 Жуда эрта, ёшлик пайтда; одатдаги вақтдан олдин. *Бемаҳал бўлмасин ҳеч кимга ўлим, Отим Аваз, Булдур қассоб улиман.* «Гулихиромон». *..инсон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Вақти бемаҳал *айн.* **вақт-бевақт** *қ.* **вақт**.

БЕМЕРОС [бе.. + мерос] **1** Мероссиз; меросга эга бўлмасдан. *Мероссиз қолмоқ.*

2 Бирор фойда кутмасдан, тамагирликсиз. *Одамлар бор — падарин мозорида йиғнаб бож, Бемерос йиғламас — тама бор аъмолида.* А. Орипов, Юртим шамоли.

БЕМЕЪЁР [бе.. + меъёр] Одатдаги, белгиланган ўлчовдан ташқари; ортиқ; ўринсиз; бевақт, кутилмаганда. *-Кетишинг бемеъёр бўлди-да, яхши боргин, — деб ўрдага қараб ўтиб кетди.* «Маликаи айёр». *Бемеъёр оғир юкни Бўрибойли нор келтирар. Бошингдаги мушкул ишни Олтин, кумуш, зар келтирар.* «Оқ олма, қизил олма».

БЕМЕҲР [бе.. + меҳр] Меҳрибонликни билмайдиган; раҳмсиз, шафқатсиз. *Бемеҳр қариндошдан меҳр билган ёт яхши.* Мақол. ▬ *Нафиса йиғлади-ялинди, ялинди-йиғлади.. Лекин Аъзамнинг бемеҳр кўнгли юмшамади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

БЕМЕҲРЛИК Раҳм-шафқатсизлик, меҳри йўқлик. *Бу оғирликни [ҳижронни] Бобур унчалик сезмаётгани Ойша бегимга худди бемеҳрлик нишонасидек туюлди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БЕМИННАТ [бе.. + миннат] **1** Қилган иш, яхшилиги учун миннатдорлик талаб этмайдиган; миннат, тама қилмай. *Элликбоши унинг ҳуснига маҳлиё бўлибди дейсизми,*

унга беминнат хизматкор керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Малоҳат буларнинг ҳаммасига яхши тушунади ва беминнат хизмат қилади.* «Ишчилар».

2 Фақат фойдаси тегадиган, аммо бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдиган; қулай; арзон. *Электр энергияси ҳожатбарор, қудратли, беминнат кучдир.* Т. Аҳмедов, Ҳотамтойлик. *Илм-ҳунар шундай беминнат мулкки, одамга ҳеч қачон уларнинг оғирлиги тушмайди.* Р. Усмонов, Одобнома.

Дастёри беминнат Миннатдорлик талаб қилмайдиган дастёр, кўмакдош (одатда дастёрликка яраб қолган ўз фарзандлари ҳақида).

БЕМИСЛ [бе.. + мисл] *кт. айн.* **мислсиз**. *Атторнинг уйида кўрганман, рақси бемисл, эсингдами?* Ойбек, Улуғ йўл. *Буларнинг барчаси – ..қаламининг сеҳрли қудрати туфайли, бемисл жозибаси туфайли содир бўлади.* «Ёшлик».

БЕМИСОЛ [бе.. + мисол] Ўхшаши йўқ, тенгсиз; ҳадсиз, ҳаддан ташқари. *Гуноҳинг оғирдир, бемисол дардинг, Шоирнинг малаги, гўзал Наталья.* Газетадан. *Орзулари осмондай тиниқ, Бағри денгиз қадар бемисол.* «Саодат». *Қўрқиб кетди жиккак бемисол: «Э, муштуминг нарироққа ол!»* М. Али, Боқий дунё.

БЕМИҚЁС [бе.. + миқёс] Кўлами (чегараси) чексиз; тенгсиз, ўхшаши йўқ. *Шаҳарларнинг одамларникига ўхшаш ўз ҳаёт йўли, тақдири бўлса-да, уларнинг ҳаёт ва умр ўлчовлари бемиқёсдир.* Газетадан.

БЕМОР [*ф.* بیمار – касал] **1** Организмининг одатдаги бирор ҳолати бузилган; касал, хаста. *Бемор бола. Бемор тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келар.* Мақол. ▬ *Бир кечаси бемор жуда азоб тортди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бемор она бошини қизчаси силаб қўйса, оғриқлар барҳам топади.* «Саодат».

2 *кўчма* Севги, муҳаббат дардини, ошиқлик ҳолатини ифодалайди. *Ҳар ким беёрдир – бемордир.* Мақол. ▬ *Дарди фироқинг айлади бемор, Қайда борайин эмди давоға.* Машраб. *Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз, Ўгай бўлсак, не тонг, соғлар орасида.* А. Орипов.

3 *кўчма* Касалланган, нимжон, ўсишдан қолган. *Сувсизликдан бемор ғўзалар гулини тўка бошлади.*

БЕМОРЛИК 1 Организмнинг одатдаги ҳолатда эмаслиги, касаллик, хасталик. *Беморлик асорати.* ▬ *Заргаров кириб келди.. озғин юзида беморликдан кейинги заҳиллик асорати билиниб турарди.* А. Мухтор, Асарлар. *Сен менинг жонимни олгин, Мен сенинг дардинг олай, Барча соғлик сенга бўлсин, Барча беморлик менга.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 *кўчма* Ишқ, муҳаббат кўйидаги ҳолат; севги азоби, дарди. *Кунлар аро беморликни қолдириб кетдинг менга.* «Саодат».

БЕМОРОНА Касалларга ўхшаб, беморларга хос; худди касалдек. *-Мен касал эдимку! – деди Баширжон афтига беморона тус бериб.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштaлар.

БЕМОРХОНА *кам қўлл. айн.* **касалхона.** *Сув оқаётган тарафдагилар четланиб, йўлни очди. Беморхона машинаси кўринди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Қирқ йилнинг нақ ярми йўлларда ўтди, Ярми эса ўтди беморхонада.* А. Орипов.

БЕМУДДАТ [бе.. + муддат] Муддати аниқ белгиланмаган, вақти чекланмаган; абадий. *Жамоа хўжалиги ихтиёридаги ерлар уларга текин ва бемуддат, яъни абадий фойдаланиш учун мустаҳкамланиб берилади.* Газетадан.

БЕМУЛОҲАЗАЛИК Мулоҳаза қилиб, уялиб-тортиниб ўтирмаслик; пухта ўйламасдан иш тутишлик. *Латифжон ҳақиқатан ҳам бемулоҳазаликка борганлигини сезиб, қип-қизариб кетди-ю, нафасини ичига ютди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

БЕМУРОД [*ф.* بی‌مراد – ноумид, муродига етмаган] Бирор-бир мақсадга, режага эга бўлмаган; орзу-умидсиз. *У деразадан ташқарига хомуш, бемурод тикилиб тураркан, ҳаёти мазмунсиз романдек зерикарли бўлиб қолганини.. пайқади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Сенсиз қолар эдим зулматда тугал, Сенсиз қолар эдим буткул бемурод.* А. Орипов.

БЕМУРУВВАТ [бе.. + мурувват] **1** Ҳеч кимга яхшилик, одамгарчилик қилмайдиган, саховатсиз. *Бемурувват қариндош.* ▬ *..Қалби офтобдай иссиқ Онаи зорим! Кечир бемурувват дайди фарзандингни!* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бераҳм, шафқатсиз. *Уни [Салтонбуни] бойлар эшигида хўрланишга, бемурувват турмушнинг қақшатқич азоблари ичида қийналишга мажбур қилган куч балки болаларига бўлган ўша меҳру муҳаббатидир.* М.

Исмоилий, Фарғона т.о. *Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.* Увайсий.

БЕНАВБАТ [бе.. + навбат] *рвш.* Навбатдан ташқари, навбатсиз. *-Кела қолинг, Собиржон ака, бугун сизларга бенавбат, — деди чойнакларга қайнаган сув бураётган Муҳаббат.* В. Ғофуров, Вафодор. *Ким манфаат кўрсатса, парво қилдим, ҳе аттанг! Арзасига бенавбат имзо қилдим, ҳе, аттанг!* «Муштум».

БЕНАВО I [*ф.* بی‌نوا – товушсиз] Овозсиз, унсиз; хомуш, сокин.

БЕНАВО II [*ф.* بی‌نوا – бечора, фақир, мискин] Турмушнинг ҳузур-ҳаловати, роҳат-фароғатидан бебаҳра қолган, рўшнолик кўрмаган; ғариб, нотавон, шўрлик. *Авазнинг юраги ачинди. Бенаво, бемажол халқига зиғирдек кўмак беролмаслигини ўйлаб, қалби вайрон бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Ўзинг кўриб турганингдек, мен бир дили пора, ғариб, бенаво, ожиза онаман, ўғлим.* К. Яшин, Ҳамза.

БЕНАЖОТ [бе.. + нажот] Ҳеч бир имконияти, иложи қолмаган, нажотсиз; бечора. *Рангпар чеҳрасида унинг шоҳ Бобур Бенажот салтанат рамзин кўради.* Э. Воҳидов, Келажакка мактуб.

БЕНАЗИР [бе.. + *а.* نظیر – тенг, бир хил; ўхшаш] **1** Тенги, мисли йўқ; мислсиз. *-Алишербек беназир зот эрди,— деди Бобур китобдан бошини кўтариб.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Хонзода бегим ҳалолу покизаликда беназирлар!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Хуллас, бу бетакрор ва беназир санъат асарининг маъноси, оламча мазмуни бор.* «Фан ва турмуш».

2 Беназир (эркаклар ва аёллар исми).

БЕНАМОЗ [бе.. + намоз] Намоз ўқимайдиган, кофир, динсиз. *..бенамоз Аваз Ўтар ўғли.. аркони дин ҳукми ила тошбўрон қилинсун!* С. Сиёев, Аваз.

БЕНАРВОН [бе.. + нарвон] Нарвон қўймасдан, нарвонсиз.

Юлдузни бенарвон урадиган Ўтакетган олғир. *У юлдузни бенарвон уриб, ҳатто ойга човут соладиган устаси фаранглардан.* «Муштум». *Мадбархон Раҳмонова ҳам мўмай даромад борасида юлдузни бенарвон урадиганлардан.* «Муштум».

БЕНАСАБ [бе.. + насаб] Наслу насабининг тайини йўқ, паст насл фарзанди; тарбия кўрмаган. *Пошшаойимлар, Хонзодалар қоқ саҳар туриб, хизматимга ҳозир бўлса-ю, сен бенасаб, исқирт, атлас кўрпада мени писанд қилмай, хуррак отиб ётсанг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

БЕНАСИБ [бе.. + насиб] Тегишли ҳиссадан, насибадан маҳрум бўлган, қуруқ қолган; насибасиз. *Бенасиб бўлмоқ. Бенасиб қолмоқ.* ▬ *Бу хушнуд нағмалардан бенасиб бўлманг, деб атайин уйғотдим, бир эшитиб қолинг!* О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. *Болалик хаёллари, орзуларидан бенасиб бўлиб улғайганман.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг, Пиширдинг, ўзингга бенасиб таом.* А. Орипов.

БЕНАФ [бе.. + наф] Бирор наф-манфаати, фойдаси йўқ; фойдасиз, самарасиз. *Бенаф ўтган ҳаётинг учун Вақт олдида берурсан жавоб.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. *Шабнамдек мақтаниб бўлма тутуриқсиз, Ҳавога учади, бенаф қуруқ сўз.* «Муштум».

БЕНГАЛ 1 Жанубий Осиёда, асосан Бангладеш мамлакатида ва Шарқий Ҳиндистонда яшовчи халқ (миллат)нинг номи.

2 Шу халққа мансуб, оид. *Бенгал аёл. Бенгал адабиёти.*

БЕНГАЛЛАР Бангладеш мамлакатининг ва Ҳиндистондаги Ғарбий Бенгалия штатининг асосий аҳолиси. *Бангладеш аҳолисининг 98% и бенгаллардир.* «ЎзМЭ».

БЕНГЗАМОҚ *шв.* Ўхшатмоқ, қиёс қилмоқ; бировнинг тимсолида кимнидир кўрмоқ. *Онама бенгзадим жамолинг сани.* «Қўшиқлар».

БЕНЕФИС [*фр.* benefice — фойда; имтиёз, афзаллик] Тушуми, фойдаси тўлиқ ёки қисман театр жамоаси ёки айрим актёрга тўланадиган спектакль ёки концерт.

БЕНЗИН [*фр.* benzine < *лот.* benzol < *а.* لبانجاوی — Ява хушбўй шираси] Нефтдан ёки нефть газидан олинадиган рангсиз, учувчан суюқ ёнилғи. *Домладай босиқ одам ҳам, гўё унга ишонмагандай, ялт этиб бензин кўрсаткичга қаради.* М. Мансуров, Ёмби. *Чори бензин узаткични шақиллата-шақиллата қайтиб келди-да, яна рулга ўтирди.* М. Мансуров, Ёмби.

БЕНЗОБАК [<*р.* бензин баки] Техника ва транспорт воситаларининг бензин билан тўлдириладиган қисми; бензин қуйиладиган бак. *Шиша тўппа-тўғри танк бензобаки устига бориб тушди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Ўтни машина биқинига, бензобак*

устига боғлаб, шийпонга қаради. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

БЕНЗОВОЗ [<*р.* воз(ить) – бензин ташувчи] Бензин ташишга мосланган; бензин ташувчи машина. *У бир сакрашда бензовознинг устига чиқди-да, тўппончасини қинидан чиқариб, осмонга устма-уст бешолти ўқ узди.* О. Ёқубов, Излайман. *Кеча шомдан кейин бўпти. Бензовози билан ёниб кетибди..* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

БЕНЗОКОЛОНКА [*бензин* + *лот.* columna – устун(ча)] Автотранспорт воситаларига бензин қуйишга мўлжалланган устунсимон қурилма; насосли станция.

БЕНЗОЛ [бензин + *лот.* ol (eum) – ёғ; мой] Тошкўмир смоласидан олиниб, бензинга қўшиладиган, шунингдек, лак, бўёқ, портловчи моддалар, пластик массалар ва ш. к. тайёрлашда ишлатиладиган, рангсиз, тез ёнувчан, учувчан суюқлик. *Суюқ бензол терига кучли таъсир қилади.* «ЎзМЭ».

БЕНИШОН [бе.. + нишон] **1** Ҳеч қандай дараги, хабари бўлмасдан, ҳеч ким билмас бўлиб, нишонсиз. *Балиқларга емиш бўлиб кетасан, Дунёдан бенишон бўлиб ўтасан.* «Баҳром ва Гуландом». *Бенишон кетганди қўлимдан қушим.* «Ойсулув».

2 *кўчма* Бола кўрмасдан, орқасида насл қолмасдан; фарзандсиз. *Бобонгиз амир-султон Дунёдан ўтган бенишон.* «Нурали».

БЕНИҲОЯ(Т) [бе.. + ниҳоя(т)] **1** *сфт.* Юқори даражада, ортиқ даражада; чеки йўқ, ниҳоясиз, чексиз. *Қадрдонингиз Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек бир неча кунлардан буён бениҳоя бир дард билан оғрир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *рвш.* Чегараси йўқ, ҳаддан ташқари; жуда ҳам. *Бениҳоя ориқ. Бениҳоя узоқ. Бениҳоя кўп. Бениҳоя қувонмоқ.* ▬ *У нимадандир бениҳоя хурсанд, нимадандир хижолат.. бўлиб, уйга кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кишининг молини сақлаш бениҳоят қийин, ука.* Ойбек, Танланган асарлар. *У* [*Элмурод*] *ўз олдига шундай бир одамнинг келиб қолганидан бениҳоят хурсанд эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕНОМ [бе.. + ном] *айн.* **номсиз**. *Мен сизга айтсам, шаҳарда беном кўча бўлмайди. Олимнинг номи аввалдан беном бўлган янги кўчага қўйилди.*

БЕНОМ-НИШОН, беному нишон Ҳеч қандай дараги (хабари) йўқ; ному нишонсиз, бедарак, дараксиз. *Шаҳар уламо, ашрафлари бугунги ҳақиқат олдида ҳар замон ёқа ушлаб: «Бир беному нишонга бунча илтифот!» дер эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бу тахти салтанатлар беному нишон йўқолур, фақат меъмору мусаввирлар яратган зўр санъат асарлари тирик қолур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БЕНОМУС [бе.. + номус] Шарм-ҳаё билан иш тутмайдиган, шарм-ҳаёсиз, орномуссиз, уятсиз. *Беномус одам. Беномусга кунда тўй.* Мақол. ▬ *Нуридай бетайин, беномус эмасман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу аёл, шу беномус аёл менинг хасмим эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

БЕНОМУСЛИК 1 Уятсизлик, номуссизлик. *Унинг бунчалик беномуслигини билмас эдик.* ▬ *Рустамбекнинг қайғу-ҳасратини чекиб, дунёдан зор йиғлаб ўтгунча, ҳар беномусликни ўзимга олиб, севганим билан кун кўрай.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Уятсизларча, юзсизларча қилинган иш. *Бу қандай беномуслик. Бу қандай ҳаёсизлик. Ё шариатда шарм йўқ дедингларми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕНТОНИТЛАР [*юн.* benthos – чуқурлик] *геол.* Асосан, қадимий вулкан куллари ва туфларнинг денгиз остида нурашидан пайдо бўлган гиллар; тошсовун. *Геология фанида гилмоя «бентонит» термини билан юритилади.* М. Зокиров, Бебаҳо хазина.

БЕНТОС [*юн.* benthos – чуқурлик] Денгиз ва чучук сувлар тубидаги балчиқда ва унинг устида яшайдиган ўсимлик ва ҳайвонлар. *Бентослар кўпчилик балиқ ва б. ҳайвонлар учун озиқ ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

БЕНУР [бе.. + нур] *айн.* **нурсиз**. *Мен сизсиз – бир уйман, бенур, бечироқ.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар. *Гар уни кўрмаса, яшолмас бир кун, Бу ёруғ олам ҳам кўринур бенур.* Б. Бойқобилов, Садоқат.

БЕНУҚСОН [бе.. + нуқсон] Камчилиги йўқ, нуқсондан холи, мукаммал, тўла-тўкис. *Бенуқсон одам. Бенуқсон иш. Бенуқсон ишламоқ. Ўзгада нуқсон кўрсанг, ўзингни бенуқсон дема.* Мақол. ▬ *Нигора ечинмоқда эди. Унинг.. бенуқсон, қуйиб қўйгандай қомати чироқ ўчиши билан қоронғиликка сингишиб кетгандек бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ожиза хаёлида ўзини бенуқсон қизлар қаторида ҳис қилди, ич-ичидан севиниб кетди.* И. Раҳим, Тақдир.

БЕНЎХТА 1 Нўхта солинмаган, нўхталанмаган. *Бенўхта, яйдоқ от.*

2 *кўчма* Ўзини тия олмайдиган; бебош. *Нега жамоат тартибини бузади, қанақа бенўхта бойвачча у?* «Муштум».

БЕОБРЎ(Й) [бе.. + обрў(й)] Иззат-ҳурмати, обрўйи йўқ, обрўйсиз. *Беобрў одам. Обрўли обрўйидан қўрқар, Беобрў недан қўрқар.* Мақол. ▬ *Кўп ўтмай, Абдураҳмон мадраса аҳли орасида ҳам беобрў бўлиб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Беобрў қилмоқ Обрўсини тўкмоқ. *Халойиқ олдида мени беобрў қилишинг оқибатини.. бир кўрсатиб қўяй ҳали.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БЕОДОБ [бе.. + одоб] *айн.* **беадаб**. *Одобни беодобдан ўрган.* Мақол. ▬ *Ота-онасиз қолганингга шундай ўзбошимча, беодоб бўлиб кетдингми ҳали?* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕОДОБЛИК Тарбия кўрмаганлик; одоб меъёри, қоидаларига тўғри келмайдиган ҳаракат, қилиқ; ҳолат. *Ҳар бир саводсиз одам минбарга чиқиб, шундоқ эътиборли одамлар олдида беодоблик қилса, қандоқ чидаб туриш мумкин.* Газетадан. *Қоракўз бегим.. уйқудаги Мирзони ўпиш беодоблик саналишидан таҳликага тушган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БЕОЗОР [бе.. + озор] **1** *сфт.* Озор бермайдиган, дилни оғритмайдиган, ранжитмайдиган, мулойим. *Беозор танқид.* ▬ [*Дадавой Хадичага*:] *Мен илгари билмай у кишидан [Комиловдан] ранжиб юрган эканман. Гаплари мулойим, беозор, бамаъни.. одам экан.* Уйғун, Навбаҳор. *Бу мулойимхулқ тоғ йигитининг ўша куни айтган сўзлари беозор қизнинг юрагида туғён қўзғаган эди.* Т. Расулов, Шонли авлод.

2 *рвш.* Озор бермай, қийнамай; астагина; усталик билан. *Эъзозхон пишиллаб ухлаб ётган Учқуннинг юзидан беозоргина ўпиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шерзод елкасига кимдир беозор туртганидан уйғониб кетди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Нозик, эпчил бармоқлар орасида беозоргина ушланган ингичка игна дўппи юзида нафис излар қолдириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Осойишта, тинч, осуда, ғам-ташвишсиз. *У кунлар Назирқул учун энг бахтиёр кунлар эди. Ўшандай беозор кунларнинг тагига сув кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Туғилиб ўсган, беозор болалик йилларининг хотирасини ўз қўйнида сақлаган ҳовлисига бир қарамасдан кетолмади.* С. Зуннунова, Олов.

БЕОЗОРЛИК Зарар, озор келтирмаслик; безарарлик, мулойимлик. *Ҳуббижамолнинг овозидан ширин бир шўхликни, беозорликни уқдим.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *[Саъди] Отасидаги беозорлик, одамовилик белгиларини ҳам кеч пайқади.* Газетадан.

БЕОМОН [бе.. + омон] *рвш.* Омон бермай, шафқат қилмай, аёвсиз, шафқатсиз. *Кечаси аллаким гўё унинг устига бостириб келди-да, қўлини кўкрак қафасига суқиб, юрагини беомон эзғилай бошлади.* «Ёшлик». *Шафтолини бир чумчуқ беомон чўқилаяпти.* С. Аҳмад, Таъзим. *Бадкирдор одамлар бир кун беомон Ярадор қилдилар қўшиқни.* А. Орипов, Йиллар армони.

БЕОР [бе.. + ор] **1** *айн.* **орсиз**. *Ҳар ўлик, ҳар тўй бошида таппа-тайёрдир тўрам, Ўлгудай шилқим, шилимшиқ, роса беордир тўрам.* «Муштум». *Йўлдан урди қайси бир маккор?.. Очиғини сўзлагил, беор!* Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон.

2 *кўчма* Ҳар қандай жойда ҳам ўсаверадиган, ер танламайдиган (асосан ўсимлик ҳақида). *Гулхайри ҳар қандай жойни безашга қодир беор ўсимликлардан ҳисобланади.* Газетадан. *Тут беор эмасми, тез тутиб, ўса бошлади.* Т. Ашуров, Марварид тут.

БЕОРЛИК 1 Уятсизлик, ҳаёсизлик, безбетлик; ориятсизлик. *Бўғоз сичқоннинг кўзларидаги ҳадик ўрнини совуқ беорлик эгаллади.* «Шарқ юлдузи».

2 Беорларга хос хатти-ҳаракат, қилиқ. *Абдибилолнинг беорлигидан Нодирнинг шу қадар ғазаби қўзиб кетдики, аввалига нима қилишни билмай қолди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

БЕОРОМ [бе.. + ором] **1** Ҳаловат, ором билмайдиган; бетинч, безовта. *Беором тун.* ▬ *Туни билан йиғлоқ набирасини овутиб, беором бўлган она, яна ҳаммадан эрта турди.* Газетадан. *Гулноз айниқса бу оқшом беором.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Яна бир одам бор, азиздан-азиз, Юраги бедору беором тепган. Ҳовлининг бир парча кунгай ерида Келар деб, мен учун ўсмалар эккан.* «Ёшлик».

2 *рвш.* Тинимсиз, бетўхтов. *Чайқалади денгиз беором.* Ғайратий. *Тун бўйи беором тўқиганим ул — Тивит рўмол эмас, кечир, онажон.* Г. Жўраева, Иқбол.

БЕОҚИБАТ I [бе.. + оқибат] *айн.* **оқибатсиз** I. *У унсиз йиғлар, пушаймонидан бошини деворларга урмоқчи бўлар, дунёнинг бу қадар бевафолигидан, одамларнинг, ўзининг бунчалик беоқибатлигидан куярди.* «Ёшлик». *Юраги ачишди, ҳали ҳам одамлар шунақа беоқибат, бевафо, бераҳм эканми..* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

БЕОҚИБАТ II *айн.* **оқибатсиз** II. *Балки, аризанинг беоқибат қолдиришини сўраб, ариза берарлар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Аввал қозикалон Ҳакимхўжага, кейинчалик Тошкент беги Алимқулига берилган арзнома ҳам беоқибат қолди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

БЕОҚИБАТЛИК Ўз аҳди, сўзида турмаслик, тутуриқсизлик; меҳр кўрсатмаслик. *Полвон.. божасининг беоқибатлигидан нафси койиб, ўз қадрига ачинмоқда.. аламини ичига ютганча, эртаги учрашувни кутмоқда эди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

БЕПАДАР [бе.. + падар] Отаси йўқ, отаси номаълум, отасиз. *Фашистларнинг ўқ, ханжари-ла, Талай ёшлар қолди бепадар.* Ғайратий. *Сўрсанг наслимни, асли бепадар, Бепадар ўғлиман, ўзим дарбадар.* «Рустам».

2 Сўкиш, қарғиш вазифасида «отасининг тайини йўқ; ҳароми» маъноларини ифодалайди. *Ўз устозини билмаган бу бепадар, оламданоҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйишдан тоймай.. бу кун кечаси уни қочириб, менинг ҳовлимга олиб келди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Наслсиз, бепадар, бадбахт золимнинг Не билан тугалур охир таг-туги.* Ғ. Ғулом.

БЕПАЙРОВ [бе.. + пайров] Пайровга амал қилинмаган; пала-партиш; одоб доирасидан ташқари; пайровсиз. *У [Талмонтоз] бир вақтлар Аллонбойнинг маддоҳлик маъракаларида.. бепайров аския қилиб ўтирадиган ширинзабон ғийбатчиларидан эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

БЕПАНД [бе.. + панд] Унча пухта, мустаҳкам бўлмаган; омонат. *Бепанд стол.* ▬ *Айвон шунақанги бепанд қурилганки, кўрсангиз, ёш болаларнинг ўйинчоқ уйи ундан мустаҳкамроқ дейсиз.* Газетадан. *Янги тўғоннинг.. бошқа жойлари ҳам шундай бепанд бўлса-чи?* А. Мухтор, Туғилиш. -*Мен жудаям бахтли эдим. Бахт бепанд нарса бўлар экан,— деди Ўктам.* Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим.

БЕПАРВО [бе.. + парво] Эътиборсизлик, совуққонлик билан қарайдиган; эътибор бермайдиган; совуққон, камҳафсала, лоқайд. *Бепарво дўстдан ёғоч яхши.* Мақол. ▬ *Бойларимиз.. қорни тўқлар, халқ аҳволидан бехабар ва бепарво.* Ойбек, Нур қидириб. *Унинг кайф билан бепарво кулиши Зуҳра бегимнинг ғашини келтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БЕПАРВОЛИК Эътиборсизлик, ҳафсаласизлик, беғамлик, лоқайдлик. *Нури бундай гапларни бепарволик билан эшитишга уриниб боқарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нафратни сир тутиш осон, севгини яширса бўлади, бепарволикни эса сақлаш жуда ҳам мушкул.* «Ақл-ақлдан қувват олади».

БЕПАРДА [бе.. + парда] **1** Парда тутилмаган, пардасиз; ниқобсиз, очиқ. *Бепарда ойна.* ▬ *Сендай қизлар ҳозир кўча-кўйларда Ёр танлайди юриб очиқ, бепарда.* Ҳ. Олимжон.

2 *кўчма салб.* Очиқдан-очиқ, қўпол равишда айтилган, беҳаёларча, пардасиз. *Бепарда гап.* ▬ *Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо, Бўлмагай деб қўрқаман ногоҳ сангсор авлиё.* Муқимий. *Эломоновга ҳали ҳеч бир аёл бундай бепарда гапирмаган эди, ғалати бўлиб кетди, жаҳлланди.* М.М.Дўст, Галатепа қиссалари.

3 *мус.* Парда боғланмаган ёки пардасиз (чолғу асбоби ҳақида).

БЕПАРДОЗ [бе.. + пардоз] **1** Пардоз-андоз қилмаган, упа-элик, ўсма-сурма қўйиб, ўзига оро бермаган. *Бепардоз хотин.* ▬ *Онангни отангга бепардоз кўрсатма деганлар-ку.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Қарибчириб қолсак ҳам, ўзимизни бегона эркакка бепардоз кўрсатгимиз келмайди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Жумлалари пойма-пой, содда, бепардоз лаблари куюниб титрарди.* «Ёшлик».

2 Жило берилмаган, нақшланмаган, оддий, жўн. *Бепардоз этик.*

БЕПАРОВУЗ Паровуз, адип тутилмаган, адипланмаган. *Бепаровуз кўрпа.*

Оғзи бепаровуз Оғзидан бўлмағур, беадаб гаплар чиқадиган, тилини тия олмайдиган; оғзи бузуқ. *Оғзингни бепаровуз қилма, бу ерда улуғимиз турибди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Айб Маннонниннг ўзида.. Оғзи бепаровуз.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

БЕПАРҲЕЗ [бе.. + парҳез] **1** Парҳез буюрилмаган ёки парҳезни бузган. *Бепарҳез бемор.*

2 *кўчма эск.* Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган; нопок. *Башарти сиз.. ул бепарҳез золимни мингбошилик вазифасидан четлатишга.. бел боғлаган бўлсаларингиз, биз фақирларнинг ақли қосиримизга бир андиша келадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЕПИСАНД [бе.. + писанд] Диққат-эътибор қилмайдиган; менсимайдиган; лоқайдлик билан муносабатда бўладиган. *Энди ҳаммаси мен билан шундай беписанд гаплашади, деб хаёл қилди Эломонов.* М.М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Қундуз йигитнинг беписанд муносабатига энсаси қотар эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Аёл эрига беписанд, таҳқиромуз қаради.* Н. Аминов, Суварак.

2 *кўчма* Ҳеч нарса таъсир эта олмайдиган, парво қилмайдиган, мустаҳкам. *Мен қояман энди беписанд, Кор қилмагай тож отинг ҳарчанд!* А. Шер, Қадимги куй.

БЕПИСАНДЛИК Менсимаслик, лоқайдлик, эътиборга олмаслик ҳолати. *..йигит тўртта йигирма беш сўмликни беписандлик билан пештахтага ирғитди.* «Муштум». *Унинг бу «беписанд»лиги Қора Қоплоннинг баттар жиғига тегиб, қутуртириб юборди..* К. Яшин, Ҳамза.

БЕПИЧОҚ Пичоқ ишлатмасдан, пичоқсиз.

Бепичоқ сўймоқ Руҳан эзиш, азоблаш. *Сен-ку алвастисан, зарил бўлиб қолса, отангниям судраб чиқасан. Бепичоқ сўясан, лекин.. қон чиқмайди.* «Ёшлик».

БЕПОЁН [бе.. + поён] **1** Охири, чегараси йўқ, ниҳоятда кенг; сарҳадсиз. *Бепоён саҳро. Кўз қулочи сиғмайдиган йироқлар..* К. Яшин, Ҳамза. *Мен камалак гўзаллигини бепоён самонинг табаррук замин бўйнига таққан марваридига қиёс қиламан.* «Ёшлик».

2 Бениҳоя, беҳад, чексиз. *Ҳамма илмларга бепоён муҳаббат боғлаган.* Ойбек, Навоий. *Мангу ёнар лаҳзалик оташ, Қотиб қолган хаёл бепоён.* «Гулдаста».

БЕПОЁНЛИК Бениҳоялик, чексизлик, ҳадсизлик. *Ер юзида инсонга ҳеч қандай наф келтирмай, бўм-бўш ётган бепоёнликлар жуда кўп.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Хору зорлик бепоёнлиги, бемурувватлиги билан тантана қиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

БЕПОСАНГИ [бе.. + посанги] **1** Тарози палласини тенглаштирувчи тошсиз; ўлчов тошисиз; посангисиз. *Бепосанги тарози.*

2 *кўчма* Ўлчовсиз, чексиз. *Ёшлигимнинг тарозуси бепосанги, Бир палласи баҳор тоши билан оғир.* У. Носир, Юрак.

БЕПОШНА [бе.. + пошна] **1** Пошнали қилиб тикилмаган, пошнасиз. *Пошнасиз этик. Пошнасиз туфли.*

2 *кўчма* Оғизга олиб бўлмайдиган, одобдан ташқари; беҳаё, қўпол. *Сизга бундай бепошна гаплар эп бўлмайди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Телевидениенинг-ку йўриғи осон, ашулачининг оғзидан бепошна сўз чиқиши билан «шақ» этиб ўчириб қўйса бўлади.* «Муштум».

Оғзи бепошна Шалоқ оғиз. *..оғзи бепошна киши хоҳлабми-хоҳламайми катта ёшдаги кишини ҳақорат қилиб қўяди.* М. Исмоилий, Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.

БЕПУЛ [бе.. + пул] **1** Пули йўқ, пулсиз. *Бепул бозорга боргунча, кафан олиб мозорга бор.* Мақол. ▬ *Кета бер, йўловчи, йўлдан қолмагин! Бепул келиб, бизлардан гап сўрама!* «Равшан».

2 Ҳақ олинмайдиган, пул тўланмайдиган; нархсиз, текин. *Бепул билет. Бепул йўлланма.* ▬ *Ўқиш Бақақуруллоқда.. чойхонада бўлади. Дафтар, қалам бепул.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сиз бепул дорбозлик курси борлиги тўғрисида эшитмаган бўлсангиз.. керак.* «Муштум». *Давлатнинг шунча харажатлари бор. Беморларни бепул даволаб, боқиб ётибди.* С. Нуров, Нарвон.

БЕПУЛ-БЕБАДАЛ [бепул + бе.. + бадал] Эвазига ҳеч қандай пул, нарса олмасдан, текинга, пулсиз. *Улар илму урфонни равнақ топтирмоқчилар, шифохоналар барпо этиб, бепул-бебадал муолажа қилмоқдалар.* С. Сиёев, Аваз.

БЕПУШТ [бе.. + пушт] Бола кўрмаган, наслсиз, бефарзанд, боласиз. *Шоди Мударрисовичнинг отаси эскижўвалик Гулпошша деган.. танноз бир бепушт жувонга ўралашиб юрди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БЕПУШТЛИК *тиб.* Вояга етган (эркак ёки аёл) организмнинг насл (авлод) қолдиришга ожизлиги; туғдира олмаслик, туғмаслик. *Бепуштликни иложи борича барвақт аниқлаб, сабаблари бартараф қилинса, яхши натижага эришиш мумкин.* «ЎзМЭ».

БЕРАРМОН Бериши лозим бўлган киши. *Берармонга бешов кўп, олармонга олтов оз.* Мақол.

БЕРАСИ Берилиши, қайтарилиши керак бўлган нарса; қарз. *Менинг унга берасим йўқ. Унинг менга бир оз бераси бор.* ▬ *-Сатимхон, — деди ўзини тутиб, — эрингиз бирон одамга берасим бор, демаганмиди мабодо?* Шуҳрат, Умр поғоналари.

БЕРАҒОН Беришга ўрганган, беришга одатланган; сахий. *БераҒон қўлим — олаҒон. ОлаҒон қўлим — бераҒон.* Мақол.

БЕРАҲМ [бе.. + раҳм] Раҳм-шафқатни билмайдиган, раҳми йўқ, қаҳри қаттиқ; раҳмсиз. [*Жамила ўз-ўзига:*] *Бераҳм бой, токайгача хунибийрон йиғлатасан, бу тўкилган ёшлар.. бу оҳу зорлар сени ёқангдан тутмай қўймас.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бир бераҳм сен бечоранинг қанотингни қайирибдику!* С. Анорбоев, Суҳбатдошлар. *Бераҳмлар, наҳотки болани шунчалик қўрқитсаларинг!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЕРАҲМЛИК Раҳми йўқлик, шафқатсизлик, меҳрсизлик. *Алихонни бундай ҳолатда ташлаб кетиш ўта бераҳмлик эди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Ота бераҳмлик қилиб, бизни оналаримиздан айирди, деган мазмунда ариза тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

БЕРБЕРЧИ Ҳадеб бирор нарсани сўрайверадиган; олишга уста; шилқим. *Ололчининг дўсти кўп, Берберчининг дўсти йўқ.* Мақол.

БЕРДАНКА 19-аср ўрталарида америкалик полковник Х. Бердан ихтиро қилган биротар милтиқ. *Бердивой берданка билан отадиган овчилардан эмас.* И. Раҳим, Ихлос. *Қўй тери пўстин кийиб, елкасига берданка осиб олган чол эшик олдида Ботирали билан қўл олишиб кўришди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

БЕРЕТ(КА) [*итал.* beretta — ясси шапка] Гардишсиз, жияксиз енгил ва юмшоқ, ялпоқ бош кийими. *Оқ, қизил, кўк береткалар остидан тошган олтин сочлар майин ҳилпирайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Береткасини ушлаб қолишга улгуролмади, шамол уни юлқиб учириб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

БЕРИ *рвш.* **1** Сўзловчига, шунингдек, сўз бораётган пайт ёки ўринга яқин. *Ҳечқиси йўқ, бир кун нари, бир кун бери.* ▬ *[Қизлар] «Нари ёт, бери ёт» билан бир-бирларини итариб, суриб, кўрпани тўрт томонга тортишиб жанжаллаша бошладилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *-Бери кел, қизим! — қўли билан имлади кулиб.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўм.* (*ч.к. билан)* Ҳаракатнинг бошланиш пайтидан бошлаб, буён; маълум вақт давомида, мобайнида. *Кечадан бери. Яқиндан бери. Анчадан* (*кўпдан) бери. Алмисоқдан бери.* ▬ *Асқар аканинг дами ичига тушиб кетди. Шу сабаб, мана кечадан бери қовоғи очилмайди.* Н. Фозилов, Қиссалар. *Элмурод эрталабдан бери нон-чойдан бўлак ҳеч нарса емаганликдан кўнгли озганини сезди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Институтга киргандан бери Козимжон орқасидан соядек эргашиб юрибди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Тахминан уч йилдан бери шу ишни қиламан.* С. Аҳмад, Юлдуз.

Бери қарамоқ Тузалиш, яхшиланиш томонига ўтмоқ, яхшиланмоқ (беморнинг аҳволи ҳақида). *Беморнинг аҳволи сал бери қаради.* **Йиғламоқдан бери бўлмоқ** Йиғлагудек бўлмоқ. *Отам тайёрлаган узангиларини бозорда эртадан кечгача сарғайиб кўтариб юриб, сота олмасдан, ҳовлига қўллари қуруқ* (*ҳолда) йиғламоқдан бери бўлиб қайтар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Нари олиб бориб, бери олиб келмоқ** *қ.* **нари.** *Бир томонда Зулфиқор, бир томонда Худодбек — бир-бирига мутлақо ўхшамаган икки йигит унинг хаёлини нари олиб бориб, бери олиб келарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БЕРИГА *с.т. айн.* **бери 2**. *Қамалган кунимдан берига ундан хабарим йўқ, тақсир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЕРИГИ Сўзловчига ёки сўз бораётган ерга яқинроқ бўлган. *Беригu уй. Самарқанддан беригu станция.* ▬ *Отабек беригu бурчакдан туриб, уни [Кумушни] қўли билан янар ва кулимсираб хўмраяр эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сирдарёнинг нариги боши, беригu боши, Сойда битган қамишмикан қизнинг қоши.* «Қўшиқлар».

БЕРИДА *кўм.* (*ч.к. билан)* Сўзловчига, шунингдек, сўз бораётган нарса, пайт ёки ўринга яқинроқда. *Рўпарада Чотқол тоғлари, ундан берида эса.. бирин-кетин баландлашиб кетган гумбаз-гумбаз қирлар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мастон юқорироққа чиқиб, дашт томонга қаради. Уфқдан берида ўргимчакдай ўрмалаб арава келар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

БЕРИЁ [бе.. + риё] Иккиюзламачилик, мунофиқлик қилмасдан; риёсиз. *Тарихни яққол, бериё кўрсатишда Завқийнинг сатираси ҳаммасидан устундир.* Ғ. Ғулом.

БЕРИЛГАН 1 Берилмоқ фл. сфдш. *Диплом ўрнига берилган маълумотнома. Берилган сон. Берилган вақт.*

2 *кўчма* Бирор кимса ёки нарсага ихлос, меҳр қўйган; содиқ; фикри-зикри бир нарса билан банд бўлган, чулғанган. *Фанга берилган одам. Мусиқага берилган ёшлар.*

3 *салб.* Бирор нарсага майл қўйган, ружу қилган, ўрганган, ўч. *Пулга берилган одам.* ▬ *Башорат унинг катталарга ўхшаб хаёлларга берилганини кўриб, қадамини секинлатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БЕРИЛГАНЛИК 1 Бирор нарсага ихлос, меҳр қўйганлик; фикри-зикри бандлик. *Китобга берилганлик. Мусиқага берилганлик. Хаёлга берилганлик.*

2 Садоқат, содиқлик.

БЕРИЛЛ [*юн.* beryllos – кўк-яшил рангли қимматбаҳо тош] Ҳалқасимон силикатлар кенжа синфига мансуб, турли рангдаги шишасимон ялтироқ минерал; қимматбаҳо тош.

БЕРИЛЛИЙ [*лот.* Beryllium < *юн.* beryllos] *ким.* Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб, эриши қийин бўлган, қаттиқ, енгил, кумушранг металл.

БЕРИЛМОҚ 1 Бермоқ 1, 2, 4-6 фл. мажҳ. н. *Хат эгасининг ўз қўлига берилади. Ёзма ишга бир соат вақт берилади. Китоб уйга берилмайди.* ▬ *Бу қий-чув орқасидан меҳмонларга қуюқ-суюқ берилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор кимса ёки нарсага ихлос, меҳр қўймоқ, садоқат боғламоқ; бирор нарсага ружу қилмоқ, ўрганиб кетмоқ. *Мусиқага берилмоқ.* ▬ [*Хўжаев:*] *Қайси кўзим билан кўрай. Ҳалиги нотиқ ўзимизнинг Шукрулло афанди экан. Наҳотки, у киши шу қадар берилиб кетган, деб ўйладим.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Айта қолинг, Авлиёота – қозоқ юрти, норинхўрликка кўпроқ берилганга ўхшайсиз-а?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Чўммоқ, ботмоқ, маҳлиё бўлмоқ. [*Гулнор*] *Ўзининг паришон хаёлига берилиб, кимсасиз ҳовлида кеза бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бўш келмоқ; таслим бўлмоқ. *Отабекнинг бу мактуби Кумушга бўлган муносабатининг ҳамон боқийлигини.. ўзининг осонлик билан рақибга берилмаслигини сўзлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЕРИЛУВЧАН 1 Бирор нарсага тез бериладиган, майл қўядиган; ўзини тия олмайдиган. *Ёмон таъсирга берилувчан бола.*

2 *тиб.* Юқумли касалликларга мойил; касалликка унча қаршилик кўрсата олмайдиган. *Касалликка берилувчан организм.*

БЕРИЛУВЧАНЛИК Бирор нарсага тез берилишлик; мойиллик. *Организмнинг берилувчанлиги.* ▬ *Тана температурасининг пасайиши организмнинг тириклик фаолиятини заифлаштиради, касалликларга берилувчанлигини оширади.* «Анатомия».

БЕРИШМОҚ Бермоқ 1, 2, 4-6 фл. бирг. н. *Ўйлашга ҳам вақт беришмади. Сизга яхши маслаҳат беришибди.* ▬ *Севишганларига, кўнгил беришганларига беш йил тўлиб, олтинчи йил тугай деб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БЕРК 1 Бекитиб, ёпилиб ёки тўсиб қўйилган; ёпиқ. *зид.* **очиқ**. *Дарвоза берк. Уй берк. Йўл берк. Чегара берк.*

2 Ҳамма ёғи ёки бир қисми ўралган, ёпилган. *Усти берк йўлак. Усти берк арава. Берк машина.*

Боши берк кўча Йўлини, иложини топиш қийин бўлган, мушкул аҳвол. *Илмсиз тажриба – боши берк кўча.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отабек боши берк кўчада қолгандек бўлди, жавобига қийналди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЕРМОҚ 1 Қўлига тутқизмоқ; қўлига ёки ихтиёрига топширмоқ. *Берганнинг бетига қарама.* Мақол. *Олмоқнинг бермоғи бор.* Мақол. ▬ *Ҳалиги хатни у танаффусга чиққанда Рустамга бермоқчи эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Виктор ҳам кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, қўлига телеграммани берди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Эҳтиёжини, талабини қондирмоқ; йўқ нарса билан таъминламоқ. *Экинга сув бермоқ. Молга хашак бермоқ. Қурилишга маблағ бермоқ. Бола йиғламаса, она сут бермас.* Мақол. ▬ *Қурилиш тресті унга ётоқхонадан жой берди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Банданинг ризқини олло беради.* К. Яшин, Ҳамза. *Бойнинг қизига раҳми келиб, унга нон берибди.* «Булбулигўё». *Қўша қариндошлар, яхши фарзандлар берсин.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шеригим унга бир стакан сув берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Қурёз ака шуни кутиб тургандай: -Мен қўйларга томоқ берай, – деб қўзғалди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бахш этмоқ, бағишламоқ; руҳий ҳолат, кайфият, кўриниш пайдо қилмоқ. *Мусиқа дилларга ором беради.* ▬ *Саёҳат гашти, тоғлар ўркачи, ранго-ранг табиат кўзларни яшнатиб, дилларга ором беради.* Газетадан. *Мансур акаларча меҳрибонлик билан Гавҳарнинг елкасидан тутиб, далда берди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *[Нури] Гулнор тўғрисида сўзлаганда, товушига сирли оҳанг берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг [Кумушнинг] нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб, ажиб бир манзара бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Бирор муассасага ўрнаштирмоқ, киритмоқ, *Болани боғчага бермоқ. Ўғлини ўқишга бермоқ.* ▬ *Бошқа бирор ҳунарга берсак бўлмайдими?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бир ўғлимни Ҳадрадаги ўрис мактабига бердим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен Марусяга тайинлаб қўйдим, эртадан бошлаб боғчага бер.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Маҳсулот етиштириб, тайёрлаб етказиб турмоқ; ўз маҳсули билан таъминламоқ. *Бу халқ хўжалигига нима беради? Қишлоқ хўжалиги аҳолига озиқ-овқат, саноатга хом ашё беради.* ▬ *Этак-этак пахтани икки қўллаб терганман, Гектаридан юз-юзлаб пахта берай деганман.* «Қўшиқлар».

6 Нашрга киритмоқ, босмоқ, эълон қилмоқ; эшиттирмоқ; кўрсатмоқ. *Мақолангизни келгуси сонда берамиз. Концерт бермоқ.*

7 Айрим отлар билан қўшма феъл ясайди; мас.: *аҳамият бермоқ, бардош бермоқ, жавоб бермоқ, бой бермоқ, жой бермоқ, зарба бермоқ.* ▬ *Ўн бир киши қарши овоз берди.* «Шарқ юлдузи». *У кўприкдан ўтиб, катта йўлга чиққанидан сўнг отга қамчи берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Мана, сени деб қандай балоларга бардош беряпман.* К. Яшин, Ҳамза. *Қуруқ одамлар кийимга зўр беради, деганлари бежиз эмас экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳаё қайси нарсада бўлса, унга зийнат беради.* «Фан ва турмуш». *Қулоқларида уч калима сўз ўрин талашиб, акс садо берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

8 Кўмакчи феъл вазифасида *-(и)б* аффиксли равишдош шаклидаги етакчи феъл билан бирикади ва: 1) ҳаракатнинг биров, ўзга учун бажарилганлигини ифодалайди. *Янгангга айт: иликдан ош қилиб берсин.* «Гулдаста». *Энди ишингга қара, болам, эртага кўйлак тикиб бераман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мен бўлган воқеани айтиб бердим.* Т. Ашуров, Оқ от. *Тутнинг устига чиқиб қоқиб бердим.* С. Зуннунова, Олов. *Бу чолдан ҳар бало кутса бўлади. Уни ҳукуматга тутиб бериш керак.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) етакчи феълдан англашилган маънони кучайтириб ифодалайди. *У қўлини силтаб бақириб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қамбаралидан эшитиб ишонмади ва иккаловини ҳам сўкиб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Зулайҳо опамлар уришиб берадилар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

9 Кўмакчи феъл вазифасида *-а, -й* аффиксли равишдош шаклларидаги етакчи феъллар билан бирикиб келганда, кўпинча *-вер* шаклида талаффуз қилинади ва қуйидаги маъноларни ифодалайди: 1) етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши учун қаршилик, монелик йўқлигини, у бемалол бажарилиши мумкинлигини англатади. *Қатиқламасдан косаларга суза бер.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Баҳузур ўтира бер, чарчагандирсан?* У. Исмоилов, Сайланма; 2) етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, такрорийлигини билдиради. *У сув ташиб, хумларга қуя берди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўлимдан бошқа ҳамма яхшиликнинг барвақт келгани маъқул, деб она-бола изғий берди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Сенинг муштингни ея бериб, жонимда жон қолган эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳадеб катта шаҳарда яшай бериш ҳам одамни диққинафас қилиб юборади.* Т. Ашуров, Оқ от.

10 Етакчи феъл сифатида қўшма феъллар таркибига киради, мас.: *бериб тур, бера қол, бериб юборди.*

Бердисини айтгунча уриб ўлдирмоқ Гапни охиригача эшитмасдан ҳукм (хулоса) қилмоқ. *Бердисини айтгунча уриб ўлдирадиган кўринасан, сабр қилгин, болам.* С. Анорбоев, Оқсой.

БЕРТОЛЛЕ [< француз кимёгари Клод Луи Бертолле (Berthollet) номидан]: **бертолле тузи** *ким.* Тиббиётда дезинфекция учун, техникада портловчи моддалар тайёрлаш учун қўлланадиган, садаф каби товланувчи порошок; калий хлорат.

БЕРТОЛЛИДЛАР Француз кимёгари Клод Бертолле номи билан аталган кимёвий бирикмалар.

БЕРУХСАТ [бе.. + рухсат] *рвш. айн.* **рухсатсиз**. *Берухсат кириш мумкин эмас. Мен-*

дан берухсат кетманг. ▬ *Ундан берухсат қадам ташламайдиган бўлди.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

БЕРУҲ [бе.. + руҳ] Руҳан эзилган, руҳи паст, руҳсиз. *Ҳафиза шу кундан бошлаб кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди, у негадир бемажол ва беруҳ эди.* Мирмуҳсин, Умид.

БЕРЧ Дағал, эзилмайдиган; чайнаб бўлмайдиган. *Берч лой. Берч нон. Олманинг берч жойи.* ▬ *Мирвали баъзан текисланган ердан бир сиқим тупроқ олиб, кафтида эзиб кўради. Сап-сариқ, олтинга ўхшайди: эзғиласанг, берч бўлиб, қўлингга ёпишмайди. Уқаланиб кетади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БЕСАБАБ [бе.. + сабаб] *айн.* **сабабсиз.** *Бесабаб оёққа тикан кирмас.* Мақол. ▬ *Юзингдан олар беадаб, Ишдан қолар бесабаб.* «Қўшиқлар». *Кулфату роҳат кишига келса, келмас бесабаб.* Ҳабибий. *Эслайман, болалик чоғимда бир кун Безори тош отди менга бесабаб.* А. Орипов.

БЕСАБР [бе.. + сабр] Сабри, тоқати йўқ, чидамсиз, тўзимсиз. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оёғидан йитар.* Мақол. ▬ *Басавлат, шаддод аёллар бесабр бўладилар.* «Шарқ юлдузи».

БЕСАБРЛИК Сабр, чидами етмаслик; чидамсизлик, тоқатсизлик. *Бесабрлик билан кутмоқ.*

БЕСАВОД [бе.. + савод] **1** Ёзув-чизувни билмайдиган, саводи йўқ. *Бесавод одам. Бесавод бола.*

2 Илму маърифатдан бехабар; билимсиз. *Бизам жа-а бесаводмас, ҳеч қандай инфекция йўқлигини биламиз. Баччағар, юқади дейдия! Ҳи-ҳи!* «Ёшлик».

БЕСАМАР [бе.. + самар] Фойдасиз, натижасиз, беҳуда. *У миясини ҳоритган бесамар ўйлар, вужудини чулғаган ҳардамхаёл кайфиятдан фориғ бўлиш учун боши оққан томонга кетишга рози.* С. Нуров, Нарвон. *Оқсоқол уларнинг сафари бесамар кетишини қайдан билди — бу ҳол ҳали-ҳали сир эмиш.* М. Мансуров, Ёмби.

БЕСАМАРА *айн.* **бесамар.** *Афсуски, бесамара меҳнат қилибсиз.* «Шарқ юлдузи».

БЕСАНОҚ *айн.* **саноқсиз.** *Дашт этагидаги адир ва қумтепаликлардан парвоз қилиб ёпирилган гирдоблар.. осмон кўксига бесаноқ найзалар отар.. домига нимаики илашса, чирпирак қилар эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

БЕСАР [*ф.* بی‌سر — бошсиз, боши йўқ]: **бесар бўлмоқ** Бесаранжом бўлмоқ, тинчлигини, ҳаловатини йўқотмоқ. **Бесар қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Бесаранжом қилмоқ, тинчлигини, ҳаловатини бузмоқ; издан чиқармоқ. *Қалб танҳо сени ўйлаб, кулиб гоҳ, гоҳи йиғлардим, Нетай, ҳижрон азоби айламиш беихтиёр, бесар.* Н. Муҳаммад, Баҳор тароналари. *Кўкда ой кезади бесару сомон, Йироқ замин узра ташлаб ҳорғин из.* А. Орипов.

БЕСАРАНЖОМ [бе.. + саранжом] **1** Саранжом-саришта қилинмаган; саранжом топмаган, айқаш-уйқаш. *Бесаранжом уй. Ошхона доим бесаранжом.* ▬ *Болаларнинг ўйинчоқлари, китоб, газеталар билан бесаранжом бўлган хонада бир аёл ётарди.* С. Зуннунова, Қанот. *Барча ҳовлилар қатори уларники ҳам бесаранжом.* «Шарқ юлдузи».

2 Саранжом-сариштаникни билмайдиган, пала-партиш иш, рўзғор тутадиган. *Бесаранжом хотин.*

3 Ҳаяжон, изтиробга тушган; ташвишли, изтиробли, безовта. *Мўйлов бесаранжом кўзларини жовдиратиб, дарров гапира олмади.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *Чол бесаранжом бўлиб, кўзи бежо, олма-кесак тера бошлади.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

БЕСАРАНЖОМЛИК Тинчи бузилганлик, безовталик, тартибсизлик. *Юсуфбек ҳожи юрт бесаранжомлиги ва ўғил қайғуси билан асабийлашган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Татьяна Ҳайдарнинг авзойида қандайдир бесаранжомлик борлигини сезди.* И. Раҳим, Ихлос. *Энди қорачиқлари кенгайиб, бесаранжомлик ўрнини мунгли ифода эгаллади.* «Ёшлик».

БЕСАРИШТА [бе.. + саришта] *айн.* **бесаранжом**. *Бу хил одамлар ўта бесаришта, инжиқ ва ўта сершубҳа бўлади, сизнинг ҳар бир ҳаракатингиздан гумонсирайди.* «Ёшлик».

БЕСАС Ҳеч нарса демай, товуш чиқармай, унсиз. *Шайх арвоҳдек бесас, бепарво турарди.* С. Сиёев, Аваз. *Лекин асир бесадо, бесас, Боши ёриқ, яраланган, қон, Мурда каби ётарди бежон.* Ҳ. Олимжон. *Қудуқ тубидаги оқ тошдек бесас Кўксимда ётибди хотирам маним.* «Саодат».

БЕСОАТ 1 [бе.. + соат] **1** Соати йўқ, соатсиз.

2 Вақти, соатининг тайини йўқ; бемаҳал, бемаврид. *Кўзидан тўкилган ёшдан Бесоат кун чиққан экан.* «Нурали». *Уст-*

устига гала душман, Бу урушлар бесоати: ё кечаси, ё кундузи. «Гулихиромон».

БЕСОҚОЛ 1 Ҳали соқол-мўйлови чиқмаган, ёш ёки соқол қўймаган; соқолсиз. *Қуш учса қаноти куядиган чўлларда.. бесоқол болам, йўл бўлсин?* «Қундуз билан Юлдуз».

2 *от этн.* Бачча вазифасида сақланадиган, ҳали соқоли чиқмаган чиройли бола. *Муллаларнинг талаши — вақф, масжид, тўй оши, Бесоқолдир ўйнаши, йиғла миллат, йиғлайлик.* Ҳамза. *[Турсун] Ёдгорнинг самоварчи ҳам ошпаз исмида юрган бесоқолидир.* Ҳамза.

БЕСОҚОЛБОЗ *айн.* **баччабоз**. *Ана энди бу Ҳасан чопсон қурғури ҳам бесоқолбоз эди, ҳам хотинбоз эди.* «Гулнорпари».

БЕСОҲИБ [бе.. + соҳиб] Эгаси йўқ, қаровсиз; ташландиқ, хароб. *Бефарзанднинг бесоҳибдир қўрғони..* «Эрали ва Шерали». *Ким эшитар менинг қилган ноламни, Бесоҳиб айлади шаҳру қаламни (қалъамни).* «Эрали ва Шерали». *Бесоҳиб бўлмасин ҳеч кимнинг жойи..* «Юнус пари».

БЕССЕМЕР Бессемерлаш усули билан пўлат олиш жараёни.

Бессемер пўлати Бессемерлаш йўли билан олинган пўлат.

БЕССЕМЕРЛАШ [инглиз ихтирочиси Генри Бессемер (Bessemer) номидан] *тех.* Эриган, суюқ чўян орқали ҳаво ёки кислород ўтказиб, ундаги ортиқча углерод ва б. қўшимчаларни куйдириш йўли билан пўлат ҳосил қилиш.

БЕСУБУТ [бе.. + субут] Бир гапда, ваъдасида турмайдиган; бурди, тутуриғи йўқ. *Танимасман, кўрмасман, ёт у мен учун, Баски бирор дўзахидир, шилқим, бесубут.* А. Орипов.

БЕСЎНАҚАЙ 1 Кўриниши ҳаддан, меъёрдан ташқари, катта; қўпол, келишмаган. *Бесўнақай одам. Бесўнақай гавда.* ▬ *[Тиллабой] Суяги йўғон, семиз, кўзлари қисиқ, бесўнақай кимса эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Каримани кўриб, ёқа ушлайсиз. Девдай, оёққўллари бесўнақай, қўполгина қиз эди.* «Ёшлик».

2 Ҳаддан ташқари кўримсиз, хунук; беўхшов. *Унинг [Полвоннинг] кўзи олдида Умарбекнинг бесўнақай башараси гавдаланди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Унинг* [*Қобиловнинг*] *бошида эскироқ кўк кепка, шу рангда узун енгил пальто, оёғида эса катта, бесўнақай кирза этик.* Б. Даминов, Одамдан яхши ном қолсин. [*Поччамнинг*] *Бошида бесўнақай ўралган қўпол салла.* Ойбек, Болалик.

3 Жуда ҳам бемаъни, келишмаган; ўринсиз, қўпол. *Бесўнақай гап.*

БЕСЎРОВ *айн.* **бесўроқ.** *Сен бесўров боққа кирдинг, бемаъни, Тўкилади сендай аҳмоқнинг қони.* «Маликаи айёр».

БЕСЎРОҚ *рвш.* **1** Рухсат олмай, рухсат бўлмагани ҳолда; сўрамай, берухсат. *Бу бефаҳм.. Шеров мендан бесўроқ иш қилмайди, деб вақти чоғ.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *с.т.* Тергов қилмай-нетмай, терговсиз. *Бесўроқ қамоқда ётмоқ.*

БЕТ 1 Одам бошининг олд қисми, олд томони; юз, афт. *Унинг [қизнинг] бетидаги қуюқ қора қоши, қорачиғи, йирикдан келган ўйноқи кўзлари Элмуродга Муҳаррамни эслатди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Гўё бу сеҳргар чол ҳамма сирни бетдан ўқиб олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хон, Авазнинг гапини эшитмагандек, бетини буриб, қаватидаги наққошга нимадир тайинлаган бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Юзнинг ёноқдан ияккача бўлган икки томонидан ҳар бири; чакка. *Икки бети қипқизил олмадай.* ▬ *Дока рўмолин дол қўйган, ўнг бетига хол қўйган.* «Қўшиқлар». *Икки бети йилтиллаб, Новвой ширмой кулчадай..* «Нурали».

3 Бирор нарсанинг беткай, сирт томони, юзаси. *Ернинг бети сергиб, тобига келиши билан чигит экишга киришувимиз керак.* Газетадан. *Ҳовуз бетига кумушдай йилтироқ танга балиқлар чиқиб, нон ушоқларини илиб кета бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сол қалқиб турибди сувнинг бетида.* «Нурали».

4 *айн.* **саҳифа 1**. *Газетанинг тўртинчи бети.* ▬ *Эртасига ҳалиги шеър газетанинг иккинчи бети бошида босилиб чиқиб, ҳамманинг оғзида қироат қилинди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Ахир неча юз бет келадиган асарни кеча-кундуз ухламай, кўз нурини тўкиб, қўлда ёзиб чиқишнинг ўзи ҳам меҳнатга кирмайдими?* Шукрулло, Сайланма.

5 *кўчма* Томон, чет, соҳил. *Салорга яқинлашганда, сувнинг нариги бетидан хотинларнинг товуши келди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Сал юришгандан кейин аёл, етдик, деб кўчанинг чап бетидаги эшик олдида тўхтади.* С. Аҳмад, Уфқ.

6 *кўчма* Темирдан ясалган асбоб-қуролларнинг тиғи, дами. *Ер кетмоннинг бетини*

қайирадиган даражада тош-метин бўлиб музлади. С. Анорбоев, Оқсой.

Бет бўлмоқ Юзма-юз бўлмоқ, рўпара келмоқ, учрашмоқ. *..бола-чақасининг кўз ўнгида шарманда бўлган одам қайта бошдан уларга бет бўлишга ҳадди бўлмайди.* «Ёшлик». *Бет бўламан деб тағин мелисага тушиб қолма.* «Шарқ юлдузи.». **Бет олмоқ** Қалинлашмоқ, қаймоқланмоқ. *Эрталаб сут бет олади ва бир оз қуюқ тортади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. **Бет чидамайди** Уяласан, номус қиласан киши. *Ҳадеб гап эшитаверишга бет чидамайди.* **Бетга айтмоқ** Аямасдан (яширмасдан) ўзига айтмоқ. *Бетга айтганнинг заҳри йўқ.* «Аския». **Бетга чопмоқ** Юз-хотир қилмай тик гапирмоқ. **Бетига оёқ қўймоқ** *қ.* **оёқ. Бетига қарамай** 1) ҳисоблашмай, сахийлик билан. *Пулнинг бетига қарамай сарф қилмоқ;* 2) аямай, аяб ўтирмасдан. *Отнинг бетига қарамай, кечикмай номани етказ.* «Юсуф ва Аҳмад». *Қараманг отнинг бетига, Қамчилар уринг этига.* «Гулнорпари». **Бети йўқ** Ор-номуси йўқ, юзсиз. *Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ.* Мақол. *Бекорчининг бети йўқ, Қозон осар эти йўқ.* Мақол. **Бетинг борми?** Уятинг, ор-номусинг борми? **..бетини кўрмаган** Ҳеч кўрмаган, бошдан кечирмаган, ўзи нима эканлигини билмайдиган. *Эсини танигандан буён хаста бўлмаган, табиб бетини кўрмаган Йўлчи..* Ойбек, Танланган асарлар. **Бетини кўрмай кетмоқ** Йўқолиб, узоқлашиб кетмоқ; жудо бўлмоқ. *Ўн беш йил Шодмонбойнинг пулсиз хизматини қилиб, охирида ўн тўрт йил қишлоқ бетини кўрмай кетсин.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Бетини сидирмоқ** Уятни йиғиштириб қўймоқ, лўлилик қилмоқ. *Қилиб шармандалик, бетни сидирди, Юлиб кўз, ҳийлаи найранг қидирди.* Ҳабибий. **Бетини юлмоқ** Дод-фарёд солиб, бетини тимдаламоқ. *Онам ёнимга келиб, бетини юла бошлади: -Нима бало қилдинг, жувонмарг? Энди эл-юрт олдида қандоқ тирик юрамиз?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бетини қайтармоқ** Шаштини тўхтатмоқ, орқага буриб ташламоқ, чекинишга мажбур қилмоқ. *Лаънати фашистнинг бетини бир қайтариб олсак, марра бизники..* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бети қалин** (*ёки* **қаттиқ**) Гап таъсир қилмайдиган, ор-номуси йўқ, сурбет. *Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури.* Мақол. ▬ *Умид қилма энди суту қатиқдан, ўргилдим-ку сендек бети қаттиқдан.* А. Пўлат. **Бети қолмаслик** Ботина олмайдиган, уяладиган бўлиб қолмоқ. *Ўзим чиқай десам, бетим қолмади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бети қора** Эл олдида уятга қолган, юзи шувут. *Бадфеълнинг бети қора.* Мақол. **Бети қотмоқ** Гап таъсир қилмайдиган, уялмайдиган бўлиб қолмоқ. *Болани сўксанг, бети қотар, Урсанг — эти қотар.* Мақол. **Бети қурсин** *қарғ.* Юзини кўришга тоқатим йўқ, кўзга кўринмасин, йўқолсин, ўлсин, қуриб кетсин. *-Бетларинг қурсин, одамхўрлар!— деб ғижинарди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар. **Қайси** (*ёки* **не, қандай**) **бет билан** Қандай қилиб, уялмай-нетмай. *Акам — жигарим. Суюнаман! Лекин.. энди унга қайси бетим билан рўпара бўламан!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Не бет билан Қўнғирот элга бораман.* «Алпомиш». **Қўлини бетга тортмоқ** Фотиҳа қилмоқ, дуо қилмоқ, фотиҳа бермоқ. *Душман битган — бари жонни сотади, Мирза Маҳмуд қўлни бетга тортади.* «Юсуф ва Аҳмад».

БЕТА [*юн.* beta] **1** Юнон алифбосининг иккинчи ҳарфи (β) ва шу ҳарфнинг номи.

2 Модданинг муайян ҳолатини ҳамда маълум сўзнинг бета-зарралар ёки бета-нурларга алоқадорлигини билдирувчи сўз бўлаги. *Бета-зарра.*

Бета-емирилиш Атом ядроларининг элементар зарралар — электрон ёки позитрон чиқариб, радиоактив емирилиши, парчаланиши. **Бета-зарралар** Бета-емирилишда радиоактив ядролардан ажралиб чиқадиган элементар зарралар — электронлар ва позитронлар. *Бета-зарралар оқими бета-нурлар дейилади.* «ЎзМЭ». **Бета-терапия** Касаллик туфайли организмнинг ўзгарган тўқималарини бета-нурлар ёрдамида даволаш усули.

БЕТАВФИҚ [бе.. + тавфиқ] **1** Дин йўлйўриқларига ишонмайдиган, диний эътиқодсиз; имони йўқ; муртад. *Калима келтир, бетавфиқ!* Ойбек, Танланган асарлар. *Кимда-ким худонинг осий бандаси.. бетавфиқ Аваз Ўтар ўғлининг дўконига оёқ босса.. сочсоқол олдирса, имони куйга-ай!* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Уяти (номуси, ҳаёси) йўқ; уятсиз. *Мард йигитнинг номус-ори бўлади. Юлдузойни ёрим дема, бетавфиқ.* «Кундуз билан Юлдуз». *Бетавфиқ чол, ичиб, йиқилиб ётибди.* Газетадан.

БЕТАЙИН [бе.. + тайин] **1** Бор-йўқлиги, юз бериши ёки бермаслиги аниқ бўлмаган, номаълум, тайинсиз. *Ғуломжон ҳушига келди. Уни энди бетайин бир қўрқув ҳушига келтирган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Йигитманки, таваккални қиламан, Бетайин юртларга кетиб бораман.* «Муродхон». *Қўзибой чолнинг касби бетайин.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Бир зайлда, бир гапда турмайдиган; тутуриғи, бурди йўқ, беқарор. *Бетайин одам.* ▬ *Қўрқоқ, бетайин, иродасиз, маслаксиз, ношуд одам бошига оғир бир мушкул тушганда сотқинлик қиларкан-да!* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Болалар одамгарчилиги йўқ, бетайин кимса экан, дейишмасмикан?* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Таги пуч, асоссиз, беҳуда; мужмал; мақсадсиз. *Бетайин гап. Бетайин жавоб.* ▬ *Кампир, йиғлаб, бунда савол қиласан, Бетайин гапирсанг, тайин ўласан.* «Гулшанбоғ». *Гаранг қилди бу бетайин юришлар, Соқибулбул, ўйлаб, бергин маслаҳат.* «Маликаи айёр».

БЕТАКАЛЛУФ [бе.. + такаллуф] Ортиқча мулозаматни ёқтирмайдиган ёки ана шундай мулозамат қилишни билмайдиган; камсуқум; ортиқча такаллуфдан, мулозаматдан холи. *Бетакаллуф одам.* ▬ *Булар орасидаги бетакаллуф муомала ва муносабатга одамлар ўрганиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳабиб бу йигитлар билан бетакаллуф кўришиб чиқди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Чол бетакаллуфгина чордана қуриб ўтирдида, хотини қуйиб узатган аччиқ памил чойни пуфлаб ича бошлади.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

БЕТАКРОР [бе.. + такрор] **1** Такрорланмайдиган, қайтиб келмайдиган. *Умр бир берилгай, қайтмас, бетакрор.* «Саодат». *Биламан, Хизр ким ва бидъат нима, Биламан, ёшлик ҳам кетди бетакрор.* А. Орипов. *Болалик.. шодлигу қувончларга, орзу-ўйларга тўла беғубор ва бетакрор ўйинқароқ дамлар..* «Саодат».

2 Тенги йўқ, ноёб, топилмас. *Ҳалима Носированинг беқиёс санъати, табиий ва бетакрор овози халқимиз қалбидан чуқур жой олган.* «Саодат». *Ўлкамиз тарих ва маданиятида.. кўҳна Тошкентнинг ўрни бетакрор.* Газетадан. *Тиббиёт олимларини Косонсойнинг бетакрор табиати қизиқтиради.* «Саодат».

БЕТАМИЗ [бе.. + тамиз] Ўз ақли, фаросати билан бир иш қилолмайдиган; нарса-ҳодисанинг моҳиятига фаҳми етмайдиган; дид-фаросати йўқ, бефаҳм. *Бетамизда бет бўлмас, безорида уят бўлмас.* Мақол. ▬ *Аммо дуч келган одамга ўзи ва ўзгалар ҳақида оғзига келганини гапирадиган бунақа бетамизни учратмаган эди.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

БЕТАМИЗЛИК Фаҳму фаросатсизлик, идроксизлик. *Меҳмоннинг қизарганини пайқаган кекса бой ўз хотинининг катта оғиз ва бетамизлигига аччиғланиб, юзини тескари бурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ўринда, гар бир қадар муносабатсиз бўлса ҳам, мулла Муҳсиннинг бир бетамизлигини айтмасдан ўтолмаймиз.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БЕТАРАФ [бе.. + тараф] Ҳеч қайси томонга, гуруҳга ён босмайдиган, қўшилмайдиган; холис. *Бетараф мамлакатлар.* ▬ *Уч киши бетараф қолди.* «Шарқ юлдузи».

Бетараф зона Ҳеч кимга қарашли бўлмаган ҳудуд.

БЕТАРАФЛИК Қўшилмаслик, холислик. *Бетарафлик сиёсати. Бетарафлик йўлини тутиш.*

БЕТАРАФОНА *рвш. кам қўлл.* Ҳеч қайси томонга ён босмай, қўшилмай; холис ҳолда. *Бетарафона иш тутмоқ.*

БЕТАРТИБ [бе.. + тартиб] **1** Тартибга солинмаган ёки тушмаган, айқаш-уйқаш; тартибсиз ҳолдаги. *Бетартиб хўжалик.* ▬ *Қўра этагидаги девор устига бетартиб шох ёйган қора тол зулмат қўйнида хаёлий шарпаларни эслатади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Аёл кийим-кечаклар бетартиб сочилган хона ўртасида гангигандек сўппайиб турарди.* «Ёшлик».

2 Тартиб-интизомга риоя қилмайдиган; тартибни бузувчи; қонун-қоидага бўйсунмаган ёки бўйсундирилмаган, тартиби йўқ; пойма-пой. *Бетартиб гап. Бетартиб бола. Жуда ҳам бетартиб бўлиб кетяпсан.*

БЕТАСКИН [бе.. + таскин] Тинчлик, тасалли бермайдиган; бетинч, бесаранжом. *Беадад, бетаскин бир алам вужудини қамраб, бўғзини қаттиқ бўға бошлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БЕТАШВИШ [бе.. + ташвиш] **1** Ғамташвишдан холи, ғам-ташвиши бўлмаган. *Беташвиш бой қайда, Меҳнатсиз ош қайда.* Мақол. *Гулга, нурга бурканган хиёбонларда бахтиёр, беташвиш одамлар орасида чарча-*

гунларича [Набижон билан Муборак] юришди. С. Зуннунова, Қанот.

2 Ғам-ташвишсиз, осойишта, тинч. *Беташвиш иш. Тун беташвиш ўтди.* ▬ *Аввалига секин бошланган, кишининг беғам, беташвиш шўх кунларини эслатадиган куй, бориб-бориб жуда авжига чиқиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

БЕТАЪЛИМ [бе.. + таълим] Таълим, тарбия кўрмаган; тарбиясиз. *Betaълим бола.*

БЕТАЪРИФ [бе.. + таъриф] Бирор-бир таърифга, тавсифга сиғмайдиган, таърифи чексиз. *Наврўзи олам — табиатнинг бетаъриф яшаши, демак, умрларнинг бошланиши ҳам.* «Ёшлик».

БЕТАЪСИР [бе.. + таъсир] **1** *айн.* **таъсирсиз.** *Бетаъсир гап.*

2 Гап таъсир қилмайдиган, териси қалин; сурбет. *Бетаъсир одам.*

БЕТАҲЛИКА [бе.. + таҳлика] Хавф-таҳлика солмайдиган; хавф-хатарсиз, тинч. *Бетаҳлика иш. Кун бетаҳлика ўтди.* ▬ *Гулрўй унга тегибдики, бирор куни бетаҳлика ўтганини эслолмайди.* «Ёшлик».

БЕТАҲОРАТ [бе.. + таҳорат] **1** Таҳорат қилмаган, олмаган ҳолда. *Ана энди кўнглини хотиржам қилгандан кейин, бет-қўлини ювиб, бекларнинг раъйига қараб, кунда бетаҳорат намоз ўқуғувчи эди.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 *кўчма* Динсиз, имонсиз. *Бетаҳорат одам.*

БЕТГАЧОПАР Андиша қилиб ўтирмай, тортинмасдан, одамнинг юзига тикка айтувчи. *-Агар боланинг руҳи синмаса, шунақа бетгачопар.. бўлади, — деди [Акбархўжа].* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Бетгачопар! — деди ғижиниб. — Шу туришингиз бўлса, косангиз оқармайди, Алиев!* «Ёшлик».

БЕТГАЧОПАРЛИК Оғзига келганини қайтармасдан айтиб юборишлик, андиша қилиб ўтирмасдан, юзига тикка айтишлик. *Ҳеч бўлмаганда, «менда нима айб», деб бетгачопарлик қилмадингиз-а?! Э, балли-ей.* «Ёшлик». *Унақа бўшашаверманг, бийрон бўлганга нима етсин, деб турган одам беихтиёр тортинчоқликни мақтади, бетгачопарликни жини суймаслигини билдирди.* «Ёшлик».

БЕТЕРГОВ *с. т. айн.* **терговсиз**. *Бетергов қамоқда ётмоқ.*

БЕТИЗГИН *айн.* **тизгинсиз 2**. *Бетизгин хаёл.* ▬ *Унинг шоирона руҳи бетизгин.* «Ёшлик».

БЕТИЙИҚ Тутиб, тўхтатиб бўлмайдиган, тизгинсиз. *Каримнинг ранги бўзаради, кўзларидаги бетийиқ ифода қаҳрга айланади.* «Ёшлик». *Оила бошлиғи ҳар жиҳатдан етук бўлса.. фарзандлари ахлоқ-одобли, меҳнатсевар бўлиб етишади. Акс ҳолда, бола эмас — бало. Бетийиқ бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БЕТИЛСИМ [бе.. + тилсим] Очиқ кўриниб турган, яширинмаган. *Холи ва ёввойи Қоратоғ бағри, Бағрингда бетилсим талай кон кўрдим.* Миртемир, Асарлар.

БЕТИМСОЛ [бе.. + тимсол] Тимсоли йўқ; мислсиз, тенгсиз. *Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек Буюк ва бетимсол менинг Ватаним.* А. Орипов. *Дунё бир гулзордир, кенг ва бетимсол, Юлдузлар ғунчадир унинг ичида.* А. Орипов, Йиллар армони.

БЕТИНИМ 1 *айн.* **тинимсиз 1**. *Бетиним аёл.* ▬ *Жуда бетиним одам экансиз. Нега мунча оворагарчилик!* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бу бақалоқ, оғиргина йигит бирдан ўзгариб.. лабини ялаб, ҳовлиққанча бетиним гапирар эди.* «Шарқ юлдузи». *Соҳилда одам дегани бамисоли чумолидек, тўғрироғи, қишдан омон чиққан асаларидек, бетиним ғимирлайди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Узлуксиз, давом этадиган, тинмайдиган. *Бетиним ёмғир.* ▬ *Бетиним қор ёғяпти..* «Ёшлик».

БЕТИНЧ Тинчлиги, ҳаловати бузилган, безовта, нотинч. *Бетинч вақт. Бетинч тун. Бетинч уйқу. Тун бетинч бўлди.* ▬ *Эл бетинч, одамларнинг юзлари ғамғин, суҳбатлари серташвиш эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нега кўзинг безовта, бетинч, Боқишларинг бу қадар мунгли?* «Ёшлик».

БЕТКАЙ 1 Нарсанинг кузатувчига ёки бирор нарсага қараган олд қисми, сирт томони. *Кун*[*га*] *беткай жойда бўлгани, адир шабадасига кўндаланг тургани учун бу ер доимо қақраб ётади.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Ўтов тикилган кенглик қуёшга беткай бўлгани учунми, ўт-ўланлар яхши униб, ер бетини қоплаган.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Шамол теккан гиёҳларнинг астари кумуш рангга кирар, шамол тегмаган беткайи тиниқ яшил тусда қимирламай турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 *шв. айн.* **бет 3.** *Кўча беткайида бўладиган ҳар кунги очиқ олашовур бозорлар йўқ.* Ғ. Ғулом. *Ҳовли беткайига қатор-қатор столлар, курсилар қўйилган.* «Шарқ юлдузи».

БЕТЛАМОҚ I Ботиниб бетма-бет келмоқ, рўпара бўлмоқ, юзма-юз келишга журъат қилмоқ. *Унга ҳеч ким бетлай олмайди.*

Юраги бетламади Журъат қила олмади, ботина олмади, рўпара кела олмади; қўрқди. *Сувонжон дарчаси боққа қараган уйга киришга юраги бетламай, бир дам туриб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қамариддиннинг онаси билан учрашишга юраги бетламайди.* «Ёшлик». *Саид ариққа тушишга юраги бетламади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БЕТЛАМОҚ II Ёзма нарсаларнинг бетларини, саҳифаларини рақамламоқ. *Қўлёзмани бетлаб чиқдим.*

БЕТЛАШТИРМОҚ Бетлашмоқ фл. орт. н. Бирор нарса, масалани аниқлаш учун икки одамни юзма-юз қилмоқ. *Ҳалимани Олим билан бетлаштирдим.*

БЕТМА-БЕТ 1 *айн.* **юзма-юз.** *Шундай деб икки ботир, Бир-бирига бўлди бетма-бет.* «Нурали». *Сен билан турибман бу кун бетма-бет..* А. Орипов.

2 *рвш.* Бирор бетини қолдирмай. *Китобни бетма-бет қараб чиқдим.*

БЕТОБ [*ф.* بی‌تاب – бесаранжом; кучқуввати кам; касал] Бирор касаллик билан оғриган; тоби қочган; касал, бемор. *Гап десанг – қоп-қоп, Иш десанг – бетоб.* Мақол. ▬ *Бетоб, дармонсиз Гулнор.. офтобда қуриган бир қучоқ ёзлик кийимларни аллақаёқдан йиғиштириб келар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Адолат юзига иситма тошиб ёндида, бетоб бўлиб ётиб қолди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *кўчма* Севги, муҳаббат дардига дучор бўлган. *Дарди тушган чоғидан бетоб ва лекин соғман.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 *кўчма* Зўрға, ожиз бир ҳолда. *Довул етмас жойларда ҳамон У бўроннинг кучсиз ва бетоб Увлашини тингларди шодон.* Ҳ. Олимжон.

БЕТОБЛИК Беморлик, касаллик, хасталик. *Кўзларимга мунча хомуш, мунча маъюс боқасан, Ёки мурғак дилгинанг бетоблигимни сезади.* С. Зуннунова, Олов.

БЕТОЛЕ [бе.. + толе] *айн.* **толесиз, бахтсиз**. *Бетоле ёр, нега бурунлар Бўлмагандинг кўзга намоён.* Ҳ. Олимжон.

БЕТОН [*фр.* beton < *лот.* bitumon – тоғ смоласи] Цемент, қум ва шағалга сув қўшиб тайёрланган қоришманинг зичлашиб қотишидан ҳосил бўладиган қурилиш материали. *Бетон қормоқ. Бетон девор. Бетон тўсин. Бетон зовур. Бетон қорадиган машина.* ▬ *Кеча ишчилар ГЭС пойдеворига бетон қуйиб, станция деворини тиклаб бўлдилар.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қишда совуқ бетон уни муздек қисар, саратонда нозик танасини оловдек куйдирарди.* «Ёшлик».

БЕТОНЛАМОҚ Бетон қуйиб ишламоқ, бетон қуйиб мустаҳкамламоқ. *Каналларни бетонламоқ.* ▬ *Шунинг учун қиш киргунча тўғоннинг бир қисмини бетонлаб, қўлдан чиқариш керак экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БЕТОНЧИ Бетон қуювчи ёки қорувчи ишчи. *Бетончилар бригадаси.* ▬ *У кезларда ёш бетончи эдим, фабрикани қуришга қуриб бўлдиг-у, энди уни қўриқлаш ўзи бир азоб эди.* А. Мухтор, Асарлар.

БЕТОНҚОРГИЧ Бетон қоришмасини тайёрлашда ишлатиладиган, электр двигателли, ағдарма қисми қўзғалмас қориштириш барабанидан иборат бўлган машина.

БЕТОҚАТ [бе.. + тоқат] Тоқати йўқ, сабр-тоқат қилиб, бардош бериб тура олмайдиган; тоқатсиз, чидамсиз. *Бетоқат одам.* ▬ *Баъзи бир бетоқатлар кастрюл-қошиқларни тақиллатади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У бетоқат, интизор кўзлари ёлғизоёқ сўқмоқда.* «Шарқ юлдузи». *Севаргул бору борлиғида беқарор бир ҳадик кезаётганини ҳис этиб, бетоқат ортига бурилди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

Бетоқат бўлмоқ 1) сабр-тоқати тугаб, тоқати тоқ бўлиб ҳаяжонланмоқ. *Нигоранинг кўз қорачиқлари кенгайди. ҳаяжондан бетоқат бўла бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) ортиқ даражада безовта бўлмоқ, ўзини у ёқ-бу ёққа уриб тўлғанмоқ. *Оёғим оғриб, кечаси билан бетоқат бўлиб чиқдим.* ▬ *Бобоқул ота ётган жойида узоқ йўталди, сўнг ўпкаси қисиб, хириллай бошлади. Бетоқат бўлиб, кўрпани очиб ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Баъзи кунлари иситмаси кўтарилиб, [Абу] бетоқат бўларди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

БЕТОҚАТЛАНМОҚ Тинчи, ҳаловати бузилмоқ, тоқат қила олмай қийналмоқ, безовта бўлмоқ. *Офтоб ҳам энди аллақандай бетоқатланиб, кўчага қараб қўйди.* М. Мансуров, Ёмби. *Холиса бирдан бетоқатланди, аста ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Машина қанотига суяниб турган Султонов бетоқатланиб, чуқур тин олди.* М. Мансуров, Ёмби.

БЕТОҚАТЛИК Тинчи, ҳаловатини йўқотганлик, безовталик. *У [Адолат] Усмонжонни бетоқатлик билан кутар, лекин унинг келишидан қўрқар эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Қоронғилик тушишини бетоқатлик билан кутарди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Ота яна намозгар чоғи булутдек бўлиб кириб келдию, супа ўртасида тўхтаб, бетоқатлик билан Диловарни сўради.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

БЕТСИЗ *айн.* **юзсиз**. *Шу билан нафсларинг ором оладими, қандай бетсиз одамсанлар!* Ойбек, Танланган асарлар. *-Бетсиз! — деди Пайғамов. Даллолов бу сўз кимга тегишли эканини англамай, донг қотиб қолди.* С. Нуров, Нарвон.

БЕТУТУРИҚ *айн.* **тутуриқсиз**. *Бетутуриқ одам. Бетутуриқ гап.* ▬ *Саккиз йилдан бери суд аппаратида ишлаб, бундай бетутуриқ айблов фикрини.. кўрганим йўқ.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БЕТЎХТОВ *рвш.* **1** Тўхтаб қолмасдан, тўхтамай, тинмай, тўхтовсиз. *Ер кетмоннинг бетини қайирадиган даражада тош-метин бўлиб музлади. Орасида бир ҳафта бетўхтов қор ёғди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қўл кўтарар бетўхтов Биринчи бўлиб Анвар.* А. Орипов.

2 Сўз бораётган оннинг ўзида дарҳол, кечиктирмай. *Гапимни тезда, бетўхтов холангга етказ, хўпми?* ▬ *Аҳмаджон.. урушга бетўхтов юборилишини кутар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

БЕУН *поэт.* Умуман дамини, товушини чиқармасдан; ичида; дилида. *Олимхўжа юзини ўгирди, у беун йиғлади.* «Шарқ юлдузи». *Ўғиллар, келинлар оғир хўрсиниб, Нажотсиз термулиб бўзлашар беун.* «Ёшлик». *Кечалар боқаман юлдузли тунга, Гоҳ шеърлар ўқийман соғиниб, беун.* «Ёш куч».

БЕУНУМ *айн.* **унумсиз**. *Беунум иш. Беунум харажатларни камайтирмоқ.*

БЕУСТУХОН [бе.. + устухон] Суяги йўқ; суяксиз. *Беустухон гўшт.*

БЕФАЙЗ [бе.. + файз] Дилни, кўзни қувонтирмайдиган; кўримсиз, файзсиз, совуқ. *Бефайз иморат.* ▬ *Сен ҳам менинг ўғлим тенгисан, ҳовлинг қаровсиз қолиб, жуда бефайз бўлиб қопти.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Чойхона бефайз, уч-тўрт хўранда тўрда юпқа шолчага ёнбошлаб, чой ичарди.* С. Сиёев, Аваз.

БЕФАРЗАНД [бе.. + фарзанд] Боласи, фарзанди йўқ; бола кўрмаган. *Бефарзанд одам* ▬ [*Ўғилни*] *Бир бефарзандга болаликка бердим. Қаерда бўлса, эсон бўлсин.* Ойбек, Танланган асарлар. *У олтмиш тўрт ёшга кирган бўлса ҳам, бефарзанд эди.* «Эрали ва Шерали».

БЕФАРЗАНДЛИК Фарзандсизлик, бола-чақага эга эмаслик; бепуштлик. *Бефарзанд сийнаси доғли, бефарзандликдан азоб тортган неча чоғли.* «Нурали». *Кўзим тўлди бугун қонли ёшима, Бефарзандлик ситам қилди бошима.* «Нурали».

БЕФАРМОН [бе.. + фармон] Буйруқсиз, кўрсатмасиз, амрсиз. *Иш бўлмас қудратли ҳақдан бефармон, Ажал тиғи бошингдадир, момажон.* «Маликаи айёр».

БЕФАРОСАТ [бе.. + фаросат] Фаҳму фаросати йўқ, унча-мунчага фаросати етмайдиган, бетамиз. *Бефаросат одам.* ▬ *Ёмон йўлларга бошловчи рафиқу ошнодан кеч, Расоларга яқин бўл, бефаросат, норасодан кеч.* Ҳабибий. *-Эртага ишга тушаверинг! — деди у. Буни эшитиб хурсанд бўлганимни кўринг. Бунча бефаросат бўлмасам-а.* «Ёшлик».

БЕФАРОСАТЛИК 1 Фаҳму фаросат билан иш кўра олмаслик, бефаҳмлик, фаросатсизлик. *Бефаросатлик қилибман, кечирасиз!* ▬ *Кўпчилик бу одамни [Мадаминни] «Ариқ оқсоқол», севмаганлар эса, калласининг катталиги ва бефаросатлиги учун, «Мадамингов» дер эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕФАРҚ [бе.. + фарқ] **1** Ҳар нарсага, ҳар ишга эътиборсиз қарайдиган; лоқайд, бепарво. *Бефарқ, беандиша киши экан-да раис.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Уларга бамайлихотир, бефарқ аnграйиб туриш ҳам хато.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Фарқи йўқ; тенг, ўхшаш.

Бефарқ қарамоқ 1) эътиборсизлик, бепарволик билан қарамоқ, лоқайд бўлмоқ. *«Наҳот эрининг тақдирига шунчалик бефарқ қараса!» — кўнглидан ўтди Элмуроднинг.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Содиқ ака бу бедодликка бефарқ қарамади.* «Шарқ юлдузи»; 2) баравар қарамоқ, тенг кўрмоқ. *Мен иккалангизга ҳам бефарқ, тенг қарайман.*

БЕФАРҚЛИК Эътиборсизлик, лоқайдлик; фарқи йўқлик. *Шу гапларни айтаркан, кўзларидаги куюнчакликни бирдан бефарқлик эгаллаган эди.* «Ёшлик».

БЕФАҲМ [бе.. + фаҳм] Нарса-ҳодисани тезда фаҳмлай олмайдиган, унча-мунчага фаросати етмайдиган, калтафаҳм, фаҳмсиз. *Бефаҳм киши. Бефаҳмнинг дарди ўзига юк.*

Мақол. ▬ *Йўқ, бунга ҳаёт эмас.. бефаҳм, енгилтак Зайнабнинг ўзи айбдор.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

БЕФАҲМЛИК Ўйламай иш тутишлик, фаросатсизлик. *Бундай жинояткорона бепарволик қилишга.. ўзимнинг гўллигим, бефаҳмлигим сабаб бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Абдумажид*] *Жуда катта бефаҳмлик қилдим-да, деди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

БЕФИРИБ [бе.. + фириб] Ҳийла-найрангсиз; фириб бермасдан. *Савоб керак барчага ҳам ҳалол, бефириб, Мана менинг савобларим учма-уч экан.* А. Орипов.

БЕФОЙДА [бе.. + фойда] Манфаати, нафи йўқ; фойда, даромад келтирмайдиган; фойдасиз. *Бефойда иш. Бефойда ўтган умр. Бефойда сўзни айтма, Фойдали сўздан қайтма.* Мақол. ▬ *..атрофга бир қараб тушунди: ҳаракат қилиш ҳам бефойда.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Пўлатов ортиқча гап энди бефойда деб билди ва ҳеч нарса демади.* «Ёшлик».

БЕХАБАР [бе.. + хабар] **1** Хабардор бўлмаган, воқиф бўлмаган, хабари йўқ; хабарсиз. *Бехабар қолмоқ.* ▬ *Ҳаётхон бундан бехабар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Учқун ойисининг бошига тушган мусибатдан бехабар.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор, Бу ишлардан мендай жўранг бехабар.* «Маликаи айёр».

2 Маълумоти йўқ, билими йўқ. *Адабиётдан бехабар киши.* ▬ *..баъзан биз ўз ижодимиздан тўртта-бешта китоб ўқиган, дунё адабиётидан бехабар, маҳалла савиясидаги оғайниларимизнинг диди билан қувонамиз.* Шукрулло, Сайланма.

3 Дуч келинадиган нарса, воқеа-ҳодисадан хабари бўлмасдан туриб, хабари бўлмаган ҳолда, билмасдан, бирдан. *Чиқиб қолди ўзи бехабар, Ташлаганди қия шол рўмол.* Миртемир, Асарлар. *Банда бехато бўлмас, бойвачча, бехабар хонадонингизга кириб қолибман!* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Худо(дан) бехабар Худо бор деб ўйламайдиган; худодан қўрқмайдиган, инсофсиз. *Қарисанг ҳам, сен шумликни ўйлайсан, Худодан бехабар, қуйгин, ётайлик.* «Нурали».

БЕХАВОТИР [бе.. + хавотир] Ҳеч хавотирланмаса ҳам бўладиган; шубҳаланишга ўрин бўлмаган, хотиржам, тинч. *Бехавотир жой. Бехавотир ухламоқ. Тўғри бўлинг, бехавотир бўласиз.* Мақол. ▬ *У ер иссиқроқ, бехавотирроқмикан дейман.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕХАВОТИРЛИК Осойишталик, хотиржамлик; ўзини тутиб олганлик. *Чўлоқ турначанинг қалтираши босилган, унинг вужудига бир бехавотирлик ва ишонч кирган эди.* Ш. Холмизаев, Бодом қишда гуллади.

БЕХАВФ [бе.. + хавф] *айн.* **хавфсиз.** *Бехавф яшамоқ. Бехавф бўлмоқ.*

БЕХАЛАЛ [бе.. + халал] Ҳеч бир қийинчиликсиз, осойишта, тинчгина. *Энди унинг масжидига бежанжал Борган одам яшар эмиш бехалал.* Ҳ. Олимжон.

БЕХАРХАША [бе.. + хархаша] Жанжалсиз, бежанжал, хархашасиз, тинч. *Турсуной нима қилсин? Машинани ташлаб, бежанжал, бехархаша.. қўл теримига қайтиб келсинми?* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

БЕХАТАР [бе.. + хатар] Хавф-хатардан холи, зиён-заҳмат етказмайдиган, хатарсиз. *Бехатар йўл. Бехатар жой. Сафарингиз бехатар бўлсин.* ▬ *Довондан ўтиб олишса, у ёғи осон. Катта тош йўлга чиқишади-ю, шаҳарга бехатар етиб олишади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бу бехатар масканда бухоро буғуси, қундуз, қирғовул каби ҳайвонларни кўпайтириш кўзда тутилган.* «Фан ва турмуш».

БЕХАТО [бе.. + хато] **1** Хатолардан холи бўлган, янглиш ери йўқ, хатосиз. *Бехато матн. Бехато гап. Бехато ёзмоқ.* ▬ *Банда бехато бўлмас, бойвачча, бехабар хонадонингизга кириб қолибман!* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бу ўқи ҳам бехато бориб, аждарнинг кўзига тегди.* «Булбулигўё».

2 *кўчма.* Тўлиқ, бирдек, бир текисда. *Анорхоннинг ғўзаси.. тамоман бехато униб чиқди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БЕХИРАД [бе.. + хирад] *эск. кт.* Ақли йўқ; ақлсиз. *Бехирадлардан жаноби тождорларга ҳар рўз, балки ҳар соат хавф бордир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу бехирад бандаларингнинг жазоларини ўзинг бергайсан!* А. Қодирий, Кичик асарлар.

БЕХИСЛАТ [бе.. + хислат] Ижобий фазилатларга эга бўлмаган, яхши фазилати йўқ. *Бехислат одам.* ▬ [*Мастура Мирзакаримга*:] *Ҳар бало бўлсаям, шу сафаргиси бошқа жойда бўлсин! Жудаям бехислат тушлар кўряпман.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бехислат бўлмайди тоғларнинг тоши.* «Эрали ва Шерали».

БЕХОР [бе.. + *ф.* خار – тикан, тиканак] *поэт.* Тикансиз. *Ки олам боғида топмоқ гули бехор мушкулдур.* Бобур. *Даҳр гулзорида кўп гулларни кўрди эл, вале Кўрмади сендек латифу, нозику бехор гул.* Фурқат.

БЕХОС [*ф.* بی‌خواست – ногоҳ, тўсатдан, кутилмаганда] *айн.* **бехосдан, қўққисдан.** *Бозорга ун учун бораётганимда, бехос том бошидан гувала ташлаб юборди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Тўрабек нима хаёлда экан, бехос чўчиб тушди.* «Ёшлик».

БЕХОСДАН *рвш.* **1** Кутмаган, хаёлга келмаган вақтда; кутилмаганда, тўсатдан, қўққисдан. *Назокат бехосдан берилган бу сўроққа жавоб беришга ўнғайсизланиб, узоқда сарғайиб турган адирларга тикилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бехосдан унинг қўли тегиб кетганидан, тикан кирган ери ловуллаб ачишди.* «Ёшлик».

2 Ғайриихтиёрий равишда. *Ичкарида гап тугаб, маъюс сукунат бошлангач, Элмурод бехосдан қичқириб юборишдан қўрққандай, қўли билан оғзини босиб, ён-верига аланглади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕХОСИЯТ [бе.. + хосият] Яхши, ижобий хосиятларга эга бўлмаган, ёмон; хосиятсиз. *Бехосият одам. Бехосият туш.* ▬ *Ҳозирдан бехосият йигитнинг нима кераги бор.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Болаларим, асти шамани ютманглар, кўп бехосият нарса бўлар эмиш.* С. Аҳмад, Ҳукм.

БЕХУД [*ф.* بیخود – сабабсиз, бекорга; беҳуш; иродаси бўш] Ўзидан кетган, паришон, беҳуш, ҳушсиз.

Гоҳ худ, гоҳ бехуд *қ.* **худ.** *Хотинларнинг кўнглига ҳеч тушуниб бўлмайди: гоҳ худ, гоҳ бехуд.* С. Нуров, Нарвон. **Бехуд бўлмоқ** Ўзини ёмон ҳис этмоқ, беҳузур бўлмоқ. *Ўша ерда мен жуда ҳам бехуд бўлиб, ўзимдан кетдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Нусратбекнинг юраги бехуд бўлиб, тоза ҳаво олиш учун ота-болани дим хонада қолдириб, ташқарига чиқди.* С. Нуров, Нарвон. *Баъдазон фақир бангнинг асорати билан бехуд бўлиб қолибдирман.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

БЕХУДЛИК Ўзини билмай қолишлик, беҳушлик; мастлик. *Масту бехудлик била умрунгни ўткардинг, дариғ, Эй кўнгил, мундин бери бўл бир нима ҳушёрроқ.* Бобур.

БЕЧИЗ [*ф.* بی‌چیز – бирон-бир, алоҳида нарсасиз; камбағал ҳолат] *кам қўлл. айн.* **бежиз.** *Ҳоким тўранинг келиши бечиз эмас!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БЕЧИҚИМ *айн.* **чиқимсиз**.

БЕЧИҚИТ Хомашёдан юз фоиз, чиқитсиз фойдаланадиган. *Ишлаб чиқаришни бечиқит ишлаш усулига ўтказиш муҳим вазифадир.* Газетадан.

БЕЧОРА [*ф.* بیچاره – чорасиз; муҳтож; бахтсиз] **1** Яшаш учун зарур нарсаларга етарли даражада эга бўлмаган; қашшоқ. *Бойми, бечорами, ишқилиб, рўзғор машаққатини елкасидан узмайдиган бир одам бўлса, тўйни бошлармиз, сабр қил.* Ойбек, Танланган асарлар. *Афсус, фақира, бечораман.* Ҳамза. *Ярмини ўзи сарф қилса, қолганини кўчада юрган бева, бечораларга улашиб берур эди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 Мушкул, аянчли аҳволга тушиб қолган, чорасиз, иложсиз. *Бечора Гулбаҳор, карвондан ажралган бўтадай бўзлайди, шўрлик.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 Ачиниш, аянч ҳиссини ифодалайди ва маъно жиҳатидан «боёқиш», «шўрлик» сўзларига тўғри келади. *Бу фожиадан.. уста Олим, «вой бечора-бечора» дер эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ойим. Бечора ойим. Неча минг чақирим узоқларда бўлган урушнинг барча машъум изларини унинг юзида кўрдим мен.* А. Мухтор, Асарлар.

БЕЧОРАЛИК Ноиложлик, чорасизлик; камбағаллик. [*Майсара*:] *Энди, тақсирим, бечоралик-да.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Ёшлигида хор-зорликни кўп кўрган Пайғамов камбағаллик, бечораликни ҳақорат деб тушунар, яна мутеликдан жуда қўрқар эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БЕЧОРАПАРВАР [бечора + *ф.* پرور – тарбияловчи, ғамхўрлик қилувчи] Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзувчи; камбағалпарвар. *Баччаталоғингни бечорапарвар деб эшитаман: кўйлак-иштонга беш-ўн газ мато сўрасанг, берармикан..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

БЕЧОРАЧИЛИК Моддий жиҳатдан муҳтожлик; камбағалчилик. *Ўзимга муносиб йигитга тегиб, бечорачилик билан бўлса ҳам, тинч кўнгил билан умр кечиришни истар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕЧОРАҲОЛ [бечора + ҳол] Моддий имкониятлари етарли бўлмаган; моддий аҳволи ночор; камбағал, йўқсил. *Бечораҳол одам.* ▬ *Ёқубжон айтган киши аллақачон*

оламдан ўтган экан. Ёшроқ кетибди. Бечораҳол экан. М.М.Дўст, Лолазор.

БЕШ I **1** *снқ. сон* Беш рақами ва шу рақам билан ифодаланган, тўрт билан олти орасидаги сон, миқдор. *Беш киши. Беш килограмм олма. Беш карра беш — йигирма беш.* ▬ *Толибжонбойнинг беш ўғли, уч қизи бор экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзингиз ўйлаб қаранг, ўқувчилар бундан беш йил аввалги ўқувчилар эмас.* С. Зуннунова.

2 Беш балли баҳо тизимида энг юқори (аъло) баҳо. *Математикадан беш олдим. Унинг аттестатида нуқул бешлар.*

Беш кетмоқ *с.т.* 1) пирра (карта) ўйинида беш очко олмоқ; 2) гапни ёки ишни ўринлатиб бажарувчи одамга тан бермоқ, қойил қолмоқ. **Беш кунлик дунё** *қ.* **кунлик.** *Беш кунлик дунёда ўйнаб қолайлик.* «Эрали ва Шерали». **Беш қўл баравар эмас** Ҳамма бир хил, бирдек эмас, ҳамма бирдек яшай олмайди. *-Беш қўл баравар эмас, — деди Ҳакимбойвачча, — биров олим, фозил бўлади, биров мардикор, ҳаммол бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Беш қўлни** (*ёки* **бармоқни, панжани**) **оғзига урмоқ** (*ёки* **тиқмоқ**) Нафсни тия олмай, бирдан ҳаммасини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилмоқ. **Иши беш** *с.т.* Иши жуда яхши, иши жойида, авжида. *Пухтанинг иши беш.* Мақол.

БЕШ II [*ф.* بيش — ортиқроқ, кўпроқ] Кўп, ортиқ, зиёда. *қ.* **бешбаттар**.

БЕШАК I [бе.. + шак] Шаксиз, шубҳасиз. *Мен яхши англайман, мозий не демак, Тарихда ҳар кимнинг бор ўз замони. Лекин танимизда кезар-ку бешак Олис боболарнинг минг йиллик қони.* А. Орипов.

БЕШАК II Эртапишар қовун турларидан бири. *Ёзга бориб, шунақанги ширин-шакар бешак қовунлар, сергўшт тарвузлар етилиб бердики, баайни тилингни ёрадиган.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

БЕШАМАК *қ. х.* Ўқариқдан сув олиб, беш-ўн эгатга бирдан таратиб суғориш усули ва ана шундай арикча. *Суғоришни бошлашдан аввал участка пухта тайёрланади. Бунинг учун ўқариқлар.. тузатилади, қулоқлар мустаҳкамланади, бешамаклар очилади.* Р. Аҳмедов, Ғўзани суғориш тўғрисида.

БЕШАРМ [бе.. + шарм] **1** Шарм-ҳаёни билмайдиган, шарм-ҳаёси йўқ; уятсиз. *Бешарм одам. Бешармга арпа уни баҳона.* Мақол.

2 Одоб доирасига сиғмайдиган; беадаб. *Бешарм гап.*

БЕШАРМЛИК Шарм-ҳаёсизлик, уятсизлик. *Бу не бешармликки, ўлик чиққан уйдан нон тама қилсалар?!* С. Сиёев, Аваз.

БЕШАФҚАТ [бе.. + шафқат] *айн.* **шафқатсиз**. *Бешафқат одам. Бешафқат уруш.* ▬ *Бешафқат касал қизнинг ҳуснинигина эмас, ёшлик ғururини ҳам олиб кетди.* С. Шамсиева, Шифокор. *Надомат нимага ва афсус нечун? Оламда неки бор, ўчар бешафқат.* А. Орипов.

БЕШБАРГ *бот.* Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. *Бешбаргнинг пояси ингичка, узун, ётиқ ўсади. Барги беш япроқ, барг банди узун.* «ЎзМЭ».

БЕШБАРМОҚ Тўртбурчак шаклида кесилган, гўшт, думбаёғ солиб пишириладиган хамир; шилпилдоқ. *Баковул дастурхон ёзиб, товоқларда бешбармоқ келтирди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Фақат бешбармоқда гўшт ҳам, хамир ҳам катта-катта бўлакларга бўлиб пиширилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

БЕШБАТТАР [*ф.* بيش — ортиқ, кўп + بدتر — жуда ёмон] Ниҳоят даражада, ўтакетган даражада, ҳаддан ортиқ; жуда оғир, қийин (салбий маънода). *Қассобнинг эсига дафъатан тунов кунги дилхиралик тушиб, кўнгли бешбаттар ғаш тортди.* «Ёшлик». *Бошингга бундан бешбаттар кунлар тушса, кимларга сиғинасан, Қумриой?* «Ёшлик». *Эй бечоралар.. Бу шаҳарда биздан ҳам бешбаттар камбағаллар борга ўхшайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕШБЕЛ Бел қисмининг беш жойига чок солиб тикилган уст кийим. *Зебихон тугундан иккита парпаша паранжи, бири миср ипидан, бири духобадан тикилган бешбел тўн, бир жуфт эскироқ амиркон маҳси олди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бешбел камзул ихчам бўлиб, гавдага ёпишиб туради.* «ЎзМЭ».

БЕШИК 1 *этн.* Чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун тол ёки тут ёғочидан ясалган йўрға оёқли махсус мослама; тебратма беланчак. *Бешикдаги Учқун уйдаги ҳаракатни сезиб, овозларни эшитиб, ҳадеганда ухлай бермади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мубораккнинг отаси қишда дурадгорлик қилар, эшик, бешик, сумак, сандал, заранг товоқ ясарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

Бешик асбоб Болани бешикка белаш ва бешикни тузаш, безатиш учун зарур нарсалар (тўшакча, кўрпача, ёстиқча, қўлбоғ, оёқбоғ, тувак, сумак ва ш. к.) мажмуи. **Бешик кетди** *айн.* **бешиккертти.** [*Қози Қодирқулга*:] *Бешик кетди бўлгандан буёқ ҳар йил расм-русмларини қилишиб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйибди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Бешик тўйи** Болани (асосан тўнғич фарзандни) бешикка солиш муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросим. *Муллажон қози бешик тўйи қилган.* А. Қаҳҳор, Анор.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг, воқеа-ҳодисанинг туғилган ери, макони, манбаи. *Бахт бешигин қучоқлаб, бизни улғайтирдингиз..* Ғ. Ғулом. *Бир қатор дор билан шарманда бўлди Фашизм бешиги бўлган Нюрнберг.* Ғ. Ғулом. *Ям-яшил ўтлоқлар миллион-миллионлаб қўзи, тойчоқларнинг бешиги бўлур.* Ғ. Ғулом.

Бешигини тебратмоқ Янги туғилаётган нарсани ардоқлаб, вояга етказмоқ. *Ўртоқ Орипов билимдон инженер, мамлакатимизда карбамид ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича янги корхона бешигини тебратаётганлиги бежиз эмас.* Газетадан. **Сен менинг бешигимни тебратганмисан?** Бетакаллуф муомалада бўлган, ўзидан кичик кишига жавобан ишлатиладиган ибора.

БЕШИКАСТ [бе.. + шикаст] **1** Шикаст емаган, зарарланмаган, бутун. *Бешикаст ғиштларни ажратмоқ. Юкларни манзилга бешикаст етказмоқ.* ▬ *Султонмурод хумдонга идиш қалашда уста эди. У қалаган идишлар бешикаст, тиниқ бўларди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

2 Лат емаган, соғ-саломат, эсон-омон. *Урушдан бешикаст қайтди.* ▬ *Ёлғиз.. ўзи шунча нарсани гумдон қиляпти-ю.. ўзи ҳали ҳам бешикаст юрибди.* «Муштум».

БЕШИК-БЕЛИК Бешик ва унинг асбоблари, икир-чикирлари.

БЕШИККЕРТТИ *этн.* Болаларни бешикдалигидаёқ унаштириб қўйиш одати. *Турғун ака Ҳамидани чақалоқлигида бир дўстининг ўғлига «бешиккертти» қилиб қўйган.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Бешиккертти — уруғ-қабилачилик даврининг қолдиғи. Қўшни, уруғ, қабилалар ўзаро дўстликни мустаҳкамлашда бешиккерттидан фойдаланганлар.* «ЎзМЭ».

БЕШИКСЎПОҚ Бешикда бир тарзда, бир вазиятда ётавериб, боши япасқи (сўпоқ) бўлиб қолган. *Бешиксўпоқ бошида сочнинг Қорасидан кўпроқдир оқи.* Мирмуҳсин.

БЕШИКТЕРВАТАР *зоол.* Бешик каби тебраниб турадиган, оёқлари узун, яшил рангли, тўғри қанотли кемирувчи ҳашарот. *Бешиктерватар иссиқ иқлимли мамлакатларда кенг тарқалган йиртқич ҳашарот ҳисобланади.* «Фан ва турмуш». *Бешиктерватар хавф-хатар сезиши билан олдинги оёқларини юқори кўтариб, тебраниб туради. Номи ҳам шундан келиб чиққан.* «ЎзМЭ».

БЕШИНЧИ 1 *тртб. сон* Тартиб ўрни 5 рақами билан белгиланган, тартиб сонлар тизимида тўртинчи ва олтинчи сонлар оралиғида турган. *Бешинчи ўрин. Бешинчи кун. Бешинчи марта.* ▬ *Бешинчи бўлтакдан Алибой Обид ўғлига тўртинчи ҳовли!* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Бешинчи куни эрта саҳарда далага эмас.. станцияга қараб жўнади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Катта-кичик нарсаларнинг ўлчам рақами. *Бешинчи калиш.* ▬ *Дўллар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БЕШКАШТА Палосларга қўлда тўқиладиган панжарагулчин безаклар. *Бешкашта — режали бўртма гуллар солинган кашталарга ўхшайди.* «ЎзМЭ».

БЕШКОКИЛ *этн.* Сочни бешта-бешта кокил қилиб ўриш усули ва шу усулда ўрилган соч. *Бешкокил(ли) қиз.*

БЕШКУРАШ Спортнинг беш турини ўз ичига олган мусобақа. *Бешкурашда терма командамиз ғолиб чиқди.*

БЕШКЎТАРАР Карта ўйинининг карталарни бешта-бешта тарқатиб, бештадан кўтариб ўйналадиган тури.

БЕШЛИК 1 *ад.* Беш мисрадан иборат бўлган қитъа; мухаммас.

2 *тар.* Беш кишидан иборат бўлган гуруҳ. *Бешлик комиссия.*

3 Бешта холи бўлган карта. *Ғиштиннинг бешлиги.*

БЕШМАТ [*ф.* پیش‌بند — пешбанд, фартук] *шв.* Бели хипча қавима уст кийими. *Қора бешмат.* ▬ *Бирига кавказча бешмат кийдириб, бирининг елкасига ёғочдан ясалган бешотарни осиб қўйиб, суратга олади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Кўп-кўп тиллақошлар, бешмат, кашталар — бувисининг, хуллас, қолган мероси.* «Шарқ юлдузи».

БЕШОВ Беш киши ёки бир турдаги бешта нарса. *Бешовимиз биргаликда.* ▬ *Кўкиш ҳаво билан чулғанган жилға этагида бир қора пайдо бўлган эди.. Бир зумда икков, учов, тўртов, бешов бўлишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕШОВЛОН Беш киши, беш киши бўлиб, беш киши биргаликда. *Бешовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар, бешовлон бирга бўлса, битмаганин битирар.* Мақол.

БЕШОТАР Ўқдонига бешта ўқ жойлаштириладиган, беш зарядли. *Бешотар милтиқ.* ▬ *Ҳар икки қўрбошига бир хилда сарпо кийгизилди: зарбоф тўн, симобий салла. Елкаларига бешотар милтиқ, ёнларига япон тўппончаси тақилди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

БЕШТА Беш дона, беш нафар. *Бешта қалам. Бешта нарса. Бешта одам.* ▬ *Бу тўғрида ҳам талай тортишиш боргандан сўнг, охири бешта қўлмашина белгиланиб, таклифи ҳам товушга қўйиладиган бўлади.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БЕШУРУҒ I Бўйи калта, тухумсимон, сирти оч яшил, сертўр ва сал тилим-тилим кўринишли жайдари қовун.

БЕШУРУҒ II Уруғи кам бир нав тарвуз.

БЕШУУР [бе.. + шуур] *айн.* **шуурсиз**. *Севаргул, бешуур, ётоқ бўлмадаги тошойна ёнига бориб, қадди-қоматига синчков назар солди.* «Ёшлик».

БЕШҚАРСАК Қарсак ва қийқириқ билан ижро этиладиган эркаклар давра ўйин-қўшиғи. *Далани тўлдирган минглаб йигитлар қурол-аслаҳаларини жаранглатиб, силкитиб, қарсак чалишар, бешқарсакнинг «хумма-хумма»си карнай-сурнай, ноғора садосига қўшилиб, оламни тутганди.* «Ёшлик».

БЕШҚАРТА *айн.* **бешкўтарар.**

БЕЭГА *айн.* **эгасиз**. *-Онангнинг қарамоғида бўлган сигирлар беэга. Биласан, у илғор соғувчи эди. Истасанг, унинг ишини ол, — деди.* «Ёшлик». *Беэга қилибди Булғор элини, Энди кесар икки ўғлон сарини.* «Эрали ва Шерали».

БЕЭЪТИБОР [бе.. + эътибор] Совуққонлик билан, эътиборсизлик билан қарайдиган, эътибор қилмайдиган, эътиборсиз. *У бойликка, олтин-зарга беъэтибор эди.*

БЕЭЪТИҚОД [бе.. + эътиқод] Ҳеч нарсага ишончи, ҳаваси бўлмаган; маслаксиз, эътиқодсиз. *Сен зеҳни паст, беэътиқод одам экансан.* «Луқмони Ҳаким».

БЕЮЗ Юзсиз, уятсиз. *Э, ўлим берсин, сен беюз шапшакка!* Ҳамза, Асарлар.

БЕЮЗЛИК Уятсизлик, шармандалик, беобрўлик. *Боя хўп деганингда, шунчалик беюзликлар бўлмас эди.* Ҳамза, Асарлар.

БЕЎЛЧОВ Ўлчови йўқ, ўлчанмаган; ўлчовсиз. *Беўлчов мол.* ▬ *Бойнинг ҳиммати тутиб кетиб, мошхўрдани беўлчов тоғорада олиб чиқиб, ўртага қўйди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БЕЎРИН *айн.* **ноўрин.** *Беўрин гап. Беўрин ҳазил.* ▬ *Сарфланди беўрин, қоқланди ҳамён йиғласин.* Ҳабибий.

БЕЎХШОВ **1** Кўриниши ёқимсиз, гавдаси, ташқи бичими келишмаган, бесўнақай; рўдапо. *Беўхшов йигит. Беўхшов кийим.* ▬ *Бу кун унинг [Ёрматнинг] бошида янги, лекин беўхшов дўппи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бурни бир оз беўхшовроқ эса-да.. унинг умуман юз бичими келишган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тишлари беўхшов, қийшиқ. Кулса, қўрқардингиз.* «Ёшлик».

2 Ғайриоддий, хунук. *Беўхшов овоз.*

3 *кўчма* Келишмаган, ёпишмаган. *Беўхшов гап. Беўхшов қилиқ.* ▬ *Носир сакраб турди. У ҳам беўхшов таъзим қилган бўлди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Узун пахтали камзул кийиб, бошларига катта рўмолни беўхшов боғлаб олган аёллар бизни кутиб олишди.* «Саодат». *У худди ҳазиллашгандай беўхшов бир илжайиб қўйди.* «Ёшлик».

БЕҚАДР [бе.. + қадр] *айн.* **қадрсиз**. *[Тут:] Жами дарахтлар ичида менинг мевам беқадр.* «Луқмони Ҳаким». *..қазиб олиниши осон бўлгани учун, у [туз] оқиб турган сувдек беқадр.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

БЕҚАРОР [бе.. + қарор] **1** Бир зайлда, бир гапда турмайдиган, ҳадеб ўзгараверадиган, бурди, тутуриғи йўқ; қарорсиз. *Беқарор Аму.* ▬ *У [Асрор] беқарор ўйлар, беқарор туйғулар банди.* «Ёшлик». *Зарафшон водийсининг об-ҳавоси жуда беқарор, бир кунда юз марта ўзгаради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Бир жойда қўним топмайдиган, ҳадеб кўчиб юрадиган. *Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор, саёқлигимдан жуда ўкинар эдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 *кўчма* Тинчлиги йўқолган, ороми бузилган; бетоқат. ▬ *Фарзанд йўқлигидан бўлдим беқарор.* «Эрали ва Шерали». *Қорахон дер: йиғлар эдим зор-зор, Ёдга тушган вақти эдим беқарор.* «Эрали ва Шерали». *Бўлажак*

завжамни ўша ерда кўриб, ошиқи беқарор бўлдим. «Шарқ юлдузи».

БЕҚАРОРЛИК Бир зайлда, бир ҳолатда турмаслик; ўзгарувчанлик. *Баъзи тахминларга қараганда, апрель ҳазиллари апрель ойида об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши, беқарорлиги туфайли келиб чиққан.* Газетадан. *Ҳамма гап сенинг такаббурлигингу беқарорлигингда.* «Ёшлик».

БЕҚАСАМ 1 Ўриши ипак, арқоғи ипдан тўқиладиган, йўл-йўл гулли пишиқ газлама; шу газламадан тайёрланган кийим. *Бир жўра беқасам. Беқасам тўн.* ▬ *Тоға ҳам эгнида беқасам тўн, узун-узун қўлларини кўксида чирмаштирганча, виқор тўкиб турибди.* М. Мансуров, Ёмби. *Гулдор тоқилик, баланд ойнали уйнинг тўри ва икки томонига беқасам кўрпачалар ёзилган бўлиб, ҳар бир меҳмон орқасига, суянса-суянмаса, катта парёстиқлар ташланган.* «Ёшлик». *Баковул уларнинг белига биттадан тўнлик беқасам боғлади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

2 *кўчма* Турли рангда жилоланувчи, беқасамдек тарам-тарам бўлиб товланувчи. *Офтоб тераклар орқасига ўтиб, ҳовлига беқасам соя ташлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Беқасам жилоли шу буюк фазо рангини, тўғриси, Тошкентдан олар.* Ғ. Ғулом.

БЕҚИЁС [бе.. + қиёс] **1** Қиёс қилиб, солиштириб бўлмайдиган даражада; беҳад, чексиз. *Беқиёс ҳурмат.* ▬ *Алишер Навоий ижоди беқиёс уммон.* «Ёшлик».

2 Ўхшаши, тенги йўқ; мислсиз. *Беқиёс гўзаллик.* ▬ *Енгил оромбахш шамолда елпинаётган гиёҳлар беқиёс чиройли, сўнги йўқ ёқимли эртак айтаётгандек бўлди.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Ҳалима Носированинг беқиёс санъати, табиий ва бетакрор овози халқимиз қалбидан чуқур жой олган.* «Саодат».

БЕҚУВВАТ [бе.. + қувват] Қуввати, дармони оз; ҳолсиз, нимжон, заиф. *Беқувват чол. Оёқларим беқувват.* ▬ *Қизлар беқувват бўлиб, сап-сариқ, заъфарондай бўлиб, поғонадан йиқила берибди.* «Луқмони Ҳаким».

БЕҚУВВАТЛИК Қувватсизлик, мажолсизлик, нимжонлик. *Беқувватлик хасталик натижасида келиб чиқади.*

БЕҒАЛВА [бе.. + ғалва] Жанжал-сурондан, ғалвадан холи; тинч. *Беғалва иш.* ▬ *Беғалва юра олмайсанми?!* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. *Хайрият, кайфи беғалва тарқаб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕҒАМ [бе.. + ғам] **1** Ғам-ташвиши йўқ, ғам-ташвишдан холи; беташвиш. *Беғам одам.* ▬ *Бу кунлар, дунёнинг иши кўпроқ маишат, емоқ-ичмоқ, тўй-томошадан иборат, деб ўйлайдиган беғам Тожибойга катта ташвиш бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Боқи беғам Жуда ҳам беғам, бепарво одам ҳақида. *Шўх Чокар билан боқи беғам Ҳасан ҳам қилт этмай нафасларини ютиб қолишди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бепарво, хотиржам. *Мўғуллар ҳужумни тўхтатиб қўйганларидан кейин, қўрғон ҳимоячилари беғам бўлиб қолишган эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БЕҒАМЛИК Хотиржамлик, бепарволик. *Баҳорги беғамлик — кузги пушаймонлик.* Мақол. ▬ *Самандаровнинг хотини.. уларнинг кулгисини эшитиб, эрининг беғамлигидан фиғони чиқиб, вайсаб юриб чой қўйди, дастурхон ёзди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЕҒАРАЗ [бе.. + ғараз**]** **1** Ўз манфаатини кўзламасдан, холис иш тутадиган, ёмонликни истамайдиган, ғаразсиз. *Беғараз одам. Беғараз дўст.* ▬ *Халқ ғамида, эл ғамида келган беғараз.. кишиларни мингбоши масхара қилар.. қувар деб ўйламаган эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Балки биз беғараз, шунчаки дўстларча гаплашиб юргандирмиз.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Ёмон ниятни кўзда тутмаган, сидқидиллик билан қилинган; холисона. *Беғараз танқид. Беғараз гап. Беғараз ёрдам.* ▬ *Кўпчилик ўз тарихи ва маданиятининг беғараз тарғиботчиси сифатида қолди.* Газетадан. *Етук кишиларни яна минг йиллар Халқ фарзанд атайди, жондан — беғараз.* Ғ. Ғулом.

БЕҒАРАЗЛИК Ғараз қилмаслик, ўз манфаатини кўзламаслик, холисоналик. *Беғаразлик, мардлик каби хусусиятлар характернинг ижобий белгиларидир.*

БЕҒАРАЗОНА *айн.* **беғараз**. *Беғаразона қилинган танқид фақат фойда келтиради.*

БЕҒУБОР [бе.. + ғубор] **1** Чанг-ғубордан, ифлосликдан холи; мусаффо, тоза. *Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Беғубор, майин шабада эсади-ю, одамларни боғу роғларга чорлайди.* Газетадан. *Осмон кўнглим каби кенг, Кўнглим каби беғубор.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 *кўчма* Кўнглида ёмонлиги, кири йўқ; пок, софдил, сидқидил. *Беғубор йигит.* ▬

Юзидан меҳр ёғилиб турган бу ажойиб, содда, беғубор қизга шартта уйланиб, оиймни бахтиёр қилишга нима халақит беради? А. Мухтор, Асарлар. *Толибжон бу содда ва лекин беғубор кишиларнинг ўзларидек беғубор суҳбатларига кулиб-кулиб, қулоқ солиб ўтирар эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 *кўчма* Доғ тушмаган, покиза. *Элмурод.. қаршисида чуғурлашган, кўзлари тиниқ, қалблари беғубор болаларнинг ҳар бирини қучоқлаб, юзларидан ўпгиси келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дўппимни ерга олиб, энди ўйлаб қарасам, Ёшлик дегани асли поклик экан, беғубор.* А. Орипов.

БЕҒУБОРЛИК Софлик, покизалик; ғуборсизлик. *Кўзлар бахт-саодат ваъда қилар жим. Қалбни талпинтирар беғуборлиги.* А. Мухтор, Асарлар.

БЕҲ [*ф.* به — яхши; дуруст] *эск. кт.* Яхши, дуруст; афзал. *Уларнинг олдида менинг гумроҳлигим беҳроқ!* С. Сиёев, Ёруғлик.

БЕҲАД [бе.. + ҳад] Чегараси йўқ, ҳаддан ташқари; чексиз, ҳадсиз. *Болтабой отанинг қувончидан Ширмонхон ҳам беҳад шод эди.* С. Зуннунова, Олов. *Соядаги тонг салқини беҳад ёқимли ва алланечук сирли эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Абдулла Қаҳҳор адабиётимизнинг долзарб масалаларига беҳад талабчанлик билан ёндашар эди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Алжабр муаллимаси элликдан ошган, беҳад семиз аёл эди.* “Ёшлик”.

БЕҲАДИК [бе.. + ҳадик] Ҳеч бир ҳадиксирамаган, тортинмаган ҳолда; бемалол, хавфсиз. *Кореянинг ерини қонли ёшга ғарқ қилиб, Беҳадик уча бермас ўлаксахўр лочинлар.* Ғ. Ғулом.

БЕҲАЁ [бе.. + ҳаё] **1** Шарм-ҳаёси йўқ, орномусни билмайдиган, уятсиз, бешарм. *Беҳаё одам.* ▬ *Ўғлим, бунақа беҳаё қиз экан, вақтида билиб, ўзингизни четга олганингиз яхши бўлибди.* Мирмуҳсин, Умид. *Эшқобилнинг хотини ўта шаддод, беҳаё эмас, уни ҳурмат қилади.* «Ёшлик».

2 Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, беадаб. *Беҳаё хатти-ҳаракат. Беҳаё ибора. Беҳаё сўз.* ▬ *Тангри беҳаё сўзларни гапирувчи кишини ёмон кўради.* Газетадан.

БЕҲАЁЛИК Шарму ҳаёсизлик, уятсизлик, андишасизлик. *Бузуқчилик, беҳаёлик, бўҳтон-туҳматлар унинг [Амирнинг] касби бўлиб қолган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *-Беҳаёлик қилиб нима қилибман? — деди Салтанат Мўмин акага.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

БЕҲАЛОВАТ [бе.. + ҳаловат] Ҳузурҳаловатдан холи, тинчлик бермайдиган; бесаранжом, тинчи йўқ, ҳаловатсиз. *Беҳаловат турмуш.* ▬ *-Докторларнинг иши ўзи шунақа беҳаловат бўлар экан, — деди Ҳалима.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Беҳаловат кеча унинг назарида анча чўзилди.* «Шарқ юлдузи». *-Тсс! — қизи кўрсаткич бармоғини қонсиз лабига босганча, беҳаловат нигоҳини унга қадади.* «Ёшлик».

БЕҲАФСАЛА [бе.. + ҳафсала] Ишга астойдил ёпишмайдиган, қунт қилмайдиган, лоқайд; ҳафсаласиз. *Беҳафсала одам.* ▬ *..ўғлининг дангаса ва хотинига нисбатан беҳафсала кимсага айланганини унинг башарасидан, келиннинг кўзларидан, ўтириб-туришларидан сезиб олганди.* «Ёшлик».

БЕҲАФСАЛАЛИК Қунтсизлик, лоқайдлик.

БЕҲАШАМ Ҳеч қандай безаги бўлмаган; безаксиз. *Чарақлаб кетди роса кўм-кўк беҳашам само, Остимда оппоқ булут, Тепам, ўнг, сўл ҳам само.* Газетадан.

БЕҲ-БЕҲ *унд. с.* Ҳайвон ва паррандаларни чақириш учун қўлланадиган сўз.*-Беҳ-беҳ, — деб товуқларни донга чақирар ва унинг олдида бир тўда товуқ қутқутлашиб, дон талашар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЕҲБЕҲЛАМОҚ «Беҳ-беҳ» деб чақирмоқ. [*Ҳайдар*:] *Шу иккала хўрознинг баҳридан ўтсакмикан?* — [*Йўлдош*:] *Олдин дон сепиб, беҳбеҳлашиб кўрайлик, қани, чўқийдими, йўқми?* Уйғун, Ҳуррият.

БЕҲБУД [*ф.* بهبود — яхши бўлиш; саломатлик] *эск. кт.* Яхшилик томонга ўзгарган; соғлом; хушҳол. *Юбориб ё бориб, беҳбуд топса Бу савдосида, яъни суд топса.* Фурқат.

БЕҲБУДЛИК *эск. кт.* Яхшилик; рўшнолик; хушҳоллик. *Ғамгин бўлмай, доим беҳбудлик бўлсин.* «Нигор ва Замон».

БЕҲИ [*ф.* به , بهى — олмасимон хушбўй мева] *бот.* Иссиқ мамлакатларда ўсадиган, атиргуллилар (раънодошлар) оиласига мансуб, хушбўй мевали дарахт. *Боғнинг турли жойларида ҳар хил мевали дарахтлар: нок, ўрик, беҳи, жийда ва ҳоказо анчагина.* Ойбек, Танланган асарлар. *Моҳидил қайтиб ҳовлига тушаётганида, беҳи шохи шитирлаб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Шу дарахтнинг олмага ўхшаш меваси. *Сидиқжон уни [онасини] кузатиб қайтиб келганида, ток остидаги эски сўрида сочилиб ётган беҳиларга кўзи тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Хонани зира, долчин, беҳи, зиғир мойининг хуштаъм ҳиди қоплади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БЕҲИГУЛ Раънодошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб, барглари тўгарак ёки узунчоқ бута. *Ўзбекистонда беҳигулнинг эрта баҳорда гуллайдиган тури хушманзара ўсимлик сифатида истироҳат боғларига экилади.* «ЎзМЭ».

БЕҲИЗОР Фақат беҳи дарахтлари ўсиб ётган ер, жой; беҳи боғи. *..беҳизор манзараси ўзгача, ёш-ёш, бўйи пакана беҳи дарахтларининг серҳосил шохлари қиз кокилидек ҳар томонга паришон таралиб, ер ўпиб ётмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БЕҲИКМАТ [бе.. + ҳикмат] **1** Теран маънога эга бўлмаган; ҳикматсиз. *Ўжарни урмай-сўкмай йўлга сол.. деган гаплар дарҳақиқат беҳикмат эмас экан.* В. Рўзиматов, Сув.

2 Ижобий ёки сирли хусусиятларга эга бўлмаган. *Арзон беиллат эмас, қиммат беҳикмат эмас.* Мақол. ▬ *Ғамга чулғанмасин ҳеч кимнинг боши, Беҳикмат эмасдир тоғларнинг тоши.* «Эрали ва Шерали».

БЕҲИС [бе.. + ҳис] **1** Бирор нарсани сезиш, ҳис этиш қобилиятини йўқотган, жонсиз, ҳиссиз. *Беҳис бармоқлар.*

2 *кўчма* Ҳис-туйғудан маҳрум, завқ-шавқсиз. *Беҳис одам.* ▬ *Уста Сирожиддин Тўйчи ҳофизга жўр бўлиб юрган вақтларидан бошлаб то шу маҳалгача: «Қассобдан шоир чиқмаганидек, беҳис чалинган ғижжак арра тортишдан фарқ қилмайди», — деб юради.* Мирмуҳсин, Созанда.

БЕҲИСОБ [бе.. + ҳисоб] **1** Сон-саноғига етиб бўлмайдиган, саноғи йўқ; ҳисоби йўқ, ҳисобсиз. *Узоқда, тоғ ёнбағирларида, беҳисоб қоракўл қўйлари ўтлайди.* Мирмуҳсин, Ҳамзаободда. *Ёрматнинг қизи унга беҳисоб текин пул манбаи очган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЕҲИШТ [*ф.* بهشت – жаннат] Жаннат. *Сахий хор бўлмас, Бахил беҳиштга кирмас.* Мақол. ▬ *Бай-бай-бай, ҳусну латофатини қаранг, беҳишт қизларидек, ҳуру ғилмонларидек.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Сенинг оғушинг офтобнинг ётоғига ўхшайди, баданингдан беҳишт ялпизининг бўйи келади, кўкрагингдан олма ҳиди анқиб туради.* «Ёшлик».

БЕҲИШТИ *бот.* Узумнинг сарғиш-яшил бир нави. *Ишкомларда ток барглари сарғайиб, тоифи ва беҳишти узумлар каҳрабо тусга кирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БЕҲОЛ [бе.. + ҳол] **1** Ҳолдан тойган, тинка-мадори қуриган; бемажол, ҳолсиз. *Тўпа хола саданинг ғадир-будур пўстлоғини беҳол бармоқлари билан силаб, юзига суртди.* И. Раҳим, Ихлос. *Боши айланиб, кўзи тинди. Тўшакка беҳол чўзилди.* С. Сиёев, Аваз. *Азларов беҳол инграб ётган беморга нима деярини билмай, каловланиб қолди.* «Ёшлик».

2 Касал бўлиб қолган, бемор. *У [қизча] жуда беҳол, врачлар ва ота-онасининг сўроқларига аранг жавоб қайтарарди.* Газетадан.

3 *кўчма* Кучсиз, заиф. *Меникига нима мақсадда чилвир кўтариб бориб эдингиз? -Ўзим, — деди, беҳол, нимжон товуш билан [Жуман].* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..қияликларда беҳол чайқалаётган ёввойи писталар кўнгилларига мунг чўктирди.* «Ёшлик». *Беҳолгина куйлайди бир қиз Бир-бир босиб, ишком оралаб.* «Ёшлик».

БЕҲОЛЛИК Кучсизлик, мадорсизлик, заифлик. *Боши айланиб, кўзлари юмилди. Аъзойи баданида ёқимли титроқ, беҳоллик туйди, дард элитди.* «Ёшлик». *Тўтихон эриниб, катдан тушаркан, оёқларида аллақандай беҳоллик сезди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БЕҲТАР I [*ф.* بهتر – яхшироқ] *эск. кт.* Афзал, яхши; яхшироқ. *У.. бу кунни беҳтар билар.. эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БЕҲТАР II Қулупнайнинг йирик бир нави.

БЕҲУДА [*ф.* بيهوده – фойдасиз, маъносиз, бекор(га)] **1** Ҳеч қандай нафи, фойдаси йўқ; бефойда. *Беҳуда жанжал. Беҳуда кучаниш белни синдирар.* Мақол. ▬ *Баъзилар эса умрини беҳуда ўтказади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Камолиддин унинг олдига беҳуда келганини тушунди.* «Шарқ юлдузи».

2 Амалга ошмайдиган, рўёбга чиқмайдиган; пуч, хомхаёл. *Беҳуда умид.* ▬ *Қоратой Йўлчининг тадбирларини маъқул кўрмади, ҳар бир фикрнинг беҳуда эканини тушунтиришга тиришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўринсиз, ноҳақ. *Шокир ота беҳуда туҳматга қолади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Беҳуда жабр кўрганлардан меҳримизни дариғ тутмайлик.* Газетадан. *Нусратбек ўғлини*

беҳуда ургани учун унга қарашга уялиб, ўзини беаёв койиди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БЕҲУДАГА *рвш.* Бўлар-бўлмасга, бекорга, ўринсиз. *Беҳудага хафа бўлманг.* ▬ *-«Обид кетмон» лақабини беҳудага тақадиларми? — дейди кулиб Хатиб домла.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БЕҲУДАЛИК Бирор-бир иш-ҳаракатнинг фойдасизлиги. *Нусратбекнинг Гулхайрига югургиси келди, лекин энди беҳудалигини ўйлаб, ҳазин хўрсинди, қалқиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Кечаги эҳтиросли сўзларни эсларкан, энди уларнинг беҳудалигини ҳис қилди.* «Ёшлик».

БЕҲУДУД [бе.. + ҳудуд] Чексиз, чегарасиз, чеки кўринмайдиган, беҳисоб. *Онахон беҳудуд фалак сари учиб бормоқда.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *У туфайли чеккан аламлари шунчалар беҳудудки, у дунёбу дунё унутолмаса керак.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Севги — бир дунёдир, сирли, беҳудуд, Унда бор айрилиқ, унда бор висол.* Н. Муҳаммад, Баҳор таронаси.

БЕҲУДУДЛИК Чегараси кўринмаслик, чексизлик, беҳадлик. *Инсон ўз оқибати билан, меҳр-карами, шафқатининг беҳудудлиги билан, керак бўлганда, бир-бирининг ёнига кира олиши.. билан улуғ.* Газетадан.

БЕҲУЗУР [бе.. + ҳузур] Безовта, ҳаловатсиз. *Туни билан алоқ-чалоқ туш кўриб чиққани учунми, ўзини беҳузур сезди.* «Ёшлик».

Беҳузур бўлмоқ Ўзини алланечук ёмон ҳис этмоқ. [*Элмурод*] *Беҳузур бўлиб, саратон иссиғига чидамаган семиз одамдай тўлғанди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Кўнгли беҳузур бўлмоқ** Кўнгли алланечук ёмон бўлмоқ. *Денисов.. кўнгли беҳузур бўлиб, қаттиқ ўқчиди.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Кўнглини беҳузур қилмоқ** Кўнглини айнитиб, алланечук ёмон аҳволга солмоқ. *Тўғрисини айтганда, гап тинглаш ҳам кўнгилни беҳузур қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Нусратбекнинг томоғи ачишди, аччиқ тамаки ҳиди ва тахир таъми кўнглини беҳузур қилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Илиққина сув юрагини оздириб, кўнглини беҳузур қилди.* «Саодат».

БЕҲУНАР [*ф.* بیهنر — истеъдодсиз, қобилиятсиз] *айн.* **ҳунарсиз**.

БЕҲУРМАТ [бе.. + ҳурмат] Ҳурмат-эътибор қозона олмаган; ҳурматга сазовор бўлмаган, ҳурмати йўқ; ҳурматсиз. *Беҳурмат одам.*

Беҳурмат қилмоқ Ҳақорат қилиб ёки бетакаллуф (дағал, қўпол) муомала билан кимсанинг обрўсини тўкмоқ. *-Қариб, миянгизни еб қопсиз, кўздан ҳам қопсиз, — деди [Тешабой] чолни беҳурмат қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Олим, фозилларни беҳурмат қиладиган, одобдан бехабар, тўнг кимса билан худо ҳаттоки гўр қўшни қилмасин.* К. Яшин, Ҳамза.

БЕҲУРМАТЛИК Ҳурмат, иззатга сазовор эмаслик; ҳурмати йўқлик.

БЕҲУШ [*ф.* بیهوش — ҳушини йўқотган, ҳушсиз; ақлсиз] **1** Ўзини билмайдиган ҳолда; ҳушидан, ўзидан кетган, ҳушсиз. *Беҳуш бўлмоқ.* ▬ *Нормат.. беҳуш хотиннинг юзига сув сепди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бир кечаю бир кундуз беҳуш бўлиб ётибман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Беҳуш қилмоқ 1) ҳушидан кеткизмоқ, ухлатиб қўймоқ (мас., дори бериб). *Хлороформ билан беҳуш қилмоқ;* 2) *кўчма* эс-ҳушини олиб қўймоқ; бошини айлантирмоқ (мас., бирор руҳий таъсир кўрсатиб).

2 Эс-ҳушини йўқотган, хаёли паришон; руҳсиз. *Маърифат бошини эгиб, беҳуш уйга кирди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

БИ- [*лот.* bi — икки < bis — икки марта] Байналмилал ясама (қўшма) сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, нарса ёки белгининг иккиталигини билдиради, мас: *биметалл, бином.*

БИАТЛОН [би.. + *юн.* athlon — мусобақа, тортишув] *спрт.* Қишки спорт ўйинларидан: 20 км ли чанғи пойгасида милтиқдан икки марта (тик турган ва ётган ҳолда) нишонга отишдан иборат мусобақа.

БИББИНОЙИ [*ф.* بینایی — кўриш; узоқни кўришлик] *с.т.* Туппа-тузук, болодек; кўнгилдагидек. *Ўғлим ўртоқлари билан биббинойидек юради.* Газетадан. *Ҳозир ҳаммом биббинойи тураржой хизматини ўтаяпти.* Т. Аҳмедов, Таажжуб.

БИБИ 1 *шв.* Онанинг ёки отанинг онаси; буви (набирага нисбатан). *Танглайим кўтарган бибим бечора Ким эди, билмайман, ўлгандир, эсиз.* Ғ. Ғулом.

2 Ҳурмат юзасидан, одатда кекса аёллар исмига қўшиб ишлатилади, мас. *Меҳри биби, Хайри биби.* ▬ *Тонг отар-отмас Сидқий ҳовлисига икки ён қўшни — Зайнаб биби билан Ҳамида хоним — ранги оқариб кириб келишди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Жаҳон*

биби Зубайданинг кўнглини олиб, онасининг аҳволини сўради. К. Яшин, Ҳамза.

3 Хотин-қизлар исмининг олд ёки орқа қисмида келиб, қўшма исмларни ҳосил қилади: *Бибигул, Бибинисо, Бибинор, Бибисанам; Давлатбиби, Кенжабиби, Кимсанбиби.* ▬ *[Йўлчи] Синглиси билан бирга, мумкин бўлса, унинг [Гулнорнинг] онаси Гулсумбибини ҳам аравага солиб, қишлоққа олиб боришни истаганини айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Биби Сешанба *этн.* Ип йигирувчи хотинларнинг муқаддас саналган афсонавий ҳомийси (пири) бўлиб, тақводор хотинлар унинг шарафига сешанба кунлари махсус маросим ўтказади. [*Холжон хола*] *Ҳар икки ҳафтада Биби Сешанба онанинг дастурхонини ёзиб, «мушкулкушод», чилтонларга атаб шавла қилади.* Ғайратий, Довдираш. «*Биби Сешанба», «мушкулкушод» каби маросим, урф-одатларни билишга Ҳамзанинг ўзи ҳам жуда қизиқар.. эди.* К. Яшин, Ҳамза.

БИБИШ 1 *эск.* Ҳукмронлар, зодагонлар наслига мансуб бўлган аёлларга мурожаат ёки ҳурмат билдириш шакли. *-Эй бибишим, мени десангиз, Чамбилга борманг.. — деди Оққиз Зулфизарга.* «Зулфизар билан Авазхон». *Кўрсангиз, кўнглингиз тўлар, Рост айтаман-да, бибишим.* «Нурали».

2 Ҳурмат юзасидан хотин-қизлар исмига қўшиб ишлатилади. *Адолат бибиш, Холнисо бибиш.*

БИБИШАК [«биби» ва «шоҳ» сўзларидан] Майда мунчоқлардан териб ясалган, бўйинга ёки бошга тақиладиган заргарлик буюми, тақинчоқ. *Бибишак икки учи юқорига қайрилган ярим ой шаклида бўлиб, ўртасига ромб ёки ғунча шакли жойлаштирилади..* «ЎзМЭ».

БИБЛИОГРАФ Турли соҳаларга оид адабиётлар рўйхатини, библиографиясини тузувчи мутахассис, библиография олими. *У кутубхонада библиограф бўлиб ишлайди.*

БИБЛИОГРАФИК Библиографияга, адабиётлар рўйхатига оид. *Библиографик кўрсаткич. Библиографик маълумотлар.* ▬ *Ҳиндистон ҳақида библиографик асар ҳам тайёрланмоқда.* «ЎТА». *Кутубхона ўқувчилар учун ҳар ойда тўрт марта библиографик обзор ўтказиб туради.* Газетадан.

БИБЛИОГРАФИЯ [*юн.* biblion — китоб + grapho — ёзаман] **1** Босма асарларнинг илмий тавсифи ва батартиб кўрсаткичларини тузиш, улар ҳақида ахборотлар тайёрлаш, уларни тарғиб қилиш билан шуғулланувчи соҳа. *Бир қанча кутубхоналарда библиография билимларини тарғиб қилиш суст ташкил қилинган.* Газетадан. *Библиография бўлими ташкил топган йиллардан то ҳозиргача 90 хил адабиётлар кўрсаткичи тузди ва нашрдан чиқарди.* Газетадан.

2 Бирор мавзу ёки соҳага оид илмий асарлар, манбалар, китоблар рўйхати. *Терминологияга оид библиография. Ўзбек тилшунослиги бўйича библиография.*

БИБЛИОТЕКА [*юн.* biblion — китоб + theke — омбор] **1** Китоблар тўплами. *Олимнинг шахсий библиотекаси.*

2 *айн.* **кутубхона.**

БИБЛИЯ [*юн.* biblia — китоблар] Яҳудийлик ва христианликда муқаддас ҳисобланган диний китоблар мажмуаси. *Библия энг қадимги адабий ёдгорликлардан бири бўлиб, диний панд-насиҳатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, ишқий ва фалсафий достонлар, ҳикоят, ривоят ва мактублардан иборат.* «ЎзМЭ».

БИГИЗ 1 Пойабзалдўзларнинг кўнни, терини тешиш учун ишлатадиган ёғоч сопли, нина учли металл асбоби. *Ҳунари йўқ кишидан Бигизи бор ямоқчи яхши.* Мақол. *Уста пичоққа ёлчимас, этикдўз — бигизга.* Мақол. ▬ *Чол бигиз билан тасмани тешаркан, муртида кулиб қўйди.* «Ёшлик».

2 Найзадек, нинадек учли, ингичка нарса. *Юраги бигиз санчилгандай оғриди.* «Шарқ юлдузи». *Оқ қайинга суяниб, махорка чекиб турган.. бигиз мўйлов йигит саҳнадан асло кўз узмади.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз.

3 Ништардай ўткир, аччиқ сўз, таъна; койиш. [*Йўлчи*:] *Андак инсоф керак, уят керак. Чолнинг меҳнатда чириган кўксига бигизни қадайверманг!* Ойбек, Танланган асарлар.

Бармоқни (*ёки* **қўлни**) **бигиз қилмоқ** *қ.* **бармоқ** I. **Тили бигиз** Аччиқ сўзли; баджаҳл, қаҳрли. *Не-не тили бигиз келин-аймоқ, эр қилиб, эрга ёлчимаган қизлар борки, эшик қолиб туйнукдан заҳрини сочиб кетади.* Шуҳрат, Умр пoғоналари.

БИГИЗЛАМОҚ 1 Ҳамма ёғига бигиз санчмоқ, бигиз уриб тешик-тешик қилмоқ.

2 *кўчма* Ништардек ўткир, аччиқ сўзлар айтмоқ. *-Ҳа, энди икковлашиб, мени бигиз-*

ланглар! — деди жаҳли чиққандай қошларини чимириб Комила. Ойбек, О.в. шабадалар.

БИГИЗПОШНА Бигизсимон, бигизга ўхшаш пошнали оёқ кийими. *Қайиқсимон бигизпошналар, нейлон қўлқопчалар..* Газетадан.

БИГИЗТУМШУҚ *зоол.* Калта думли, тумшуғи узун жуда кичкина сайроқи қушча.

БИДИЛЛАМОҚ *айн.* **бидирламоқ**. *-Опачи, опа, дадам хўп дедилар, — деди бидиллаб Ёдгор.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Бош агроном рангпар, чувак юз, бидиллаб гапирадиган йигит эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

БИДИР-БИДИР *тақл. с.* Жуда ҳам тез, лаби лабига тегмай гапирадиган; шундай гапириш. *Бидир-бидир бола.* ▬ *Ҳадеб бидир-бидир қилаверма! Бидир-бидир тинмайди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

БИДИРЛАМОҚ Жуда ҳам тез, лаби лабига тегмай гапирмоқ, атрофдагиларга эътибор бермай гапиравермоқ. *У [Ҳафиза] лаби лабига тегмай бидирлаётган Раънонинг самимий гапларига қулоқ соларди-ю, хаёли бошқа ёқда эди.* Мирмуҳсин, Умид. *-Ада, адажон, келдингизми! — Умида отаси бағрига энтикиб, бидирлаб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БИДОН [*фр.* bidon <*юн.* pithon — бочка, ёки *сканд.* bida — ваза] Суюқлик солинадиган қопқоқли идиш. *Баширжон бидон ва халтани кўтарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Манави бидонда жувоз ёғи, бу сатилда памадўр, бодринг, мева-чева бор.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

БИДЪАТ [*а.* بدعت — янгилик, янгилик киритиш; динга қарши хатти-ҳаракат] **1** *дин.* Диний ақидаларга киритилган ўринсиз ислоҳ, динга хилоф янгилик, динда кейинчалик пайдо бўлган нарса. *Мирараб мадрасасининг катталари бу «бидъатнинг гуноҳини ҳам» Мулла Туроб бўйнига юкладилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *-Ислоҳ, албатта, лозим, — патнуснинг четини бармоқлари билан чертиб, бепарволик билан сўзлади Ҳакимбойвачча, — бизда ҳар хил бидъат ишлар кўп.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эскидан қолган урф-одат, расм-русм. *Катта эна, катта бувалардан қолган урф-одатларга унамай, бидъат деб қарашар экан, биз ота-оналарда нима гуноҳ?* К. Яшин, Ҳамза. -*Чилим чекиш бидъат, — деди мулла, — буни қилган одам гуноҳкор бўлса ҳам, кофир бўлмайди.* С. Айний, Қуллар.

БИДЪАТКОР *дин.* Диний ақидаларга, динга уларга нисбатан хилоф бўлган ислоҳлар киритиш тарафдори; бидъатчи. *Зоҳиран қилган ҳурмат ва таъзимларимиз садқаи кетсин унга.. кўнгил учун қиё боқмай ўтдия, бидъаткор.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

БИДЪАТЧИ 1 *айн.* **бидъаткор.**

2 Эски урф-одатларга, расм-русмларга берилган киши.

БИЁ-БИЁ [*ф.* بیا — бу ёққа кел]: **кўз(лар)и биё-биё бўлмоқ** *ёки* **сузилмоқ** 1) кўзини уйқу босмоқ, кўзи қисилмоқ (мастлик ёки чарчоқдан). *Валихоннинг кайфи ошиб, кўзлари биё-биё бўлиб сузиларди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Толибжон мудраб, аранг уйига етиб келди. Иккинчи қаватга чиққанида ҳам, кўзи биё-биё бўлиб, тикка турганча ухлаб қолгудек ҳоли бор.* С. Аҳмад, Сайланма; 2) ишва билан, хумор билан боқмоқ. *..аввал манави титраб-қақшаётган аёлни.. жой қолса, кўзларини биё-биё сузиб турган анави офатижон жувонни миндирасан.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

БИЁБОН [*ф.* بیابان — қақроқ чўл, саҳро] Сувсиз ва гиёҳсиз тақир, чўл, саҳро. *Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топ.* Мақол. ▬ *Пашша Саиджалолхонни эргаштириб, бир биёбонга олиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БИЁВ-БИЁВ *тақл. с.* Қўбиз, чанг, қовуз ёки баъзи қушлар чиқарувчи овоз ҳақида. [*Юнус Ражабий*] *Карнаю сурнай, қизлар ҳайитларда лабига қўйиб, биёв-биёв қилиб чаладиган чангдан тортиб мусиқа санъатимизнинг меросхўр хазиначиси бўлди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Зарғалдоқ, нима-нима дегандай, яна «биёв-биёв»* қилади. М. Мансуров, Ёмби.

БИЖ-БИЖ *тасв. с.* Бижирлаб, ғимирлаб ётган, ғиж-ғиж, сон-саноқсиз (қурт-қумурсқа ва ш.к. ҳақида). *Ариқдаги сув биж-биж қурт.*

БИЖАНАК Милодий 1-минг йилликнинг иккинчи ярмида Орол денгизи бўйлари ва Каспий денгизининг шарқи ва шимолида яшаган бир қанча туркий қабилаларнинг умумий номи; печенеглар.

БИЖИЛДОҚ *с.т.* **1** Ҳеч кимга гап бермайдиган, гап билан ҳаммани енгадиган; гапдон. *Бижилдоқ хотин.* ▬ *Айвонида бу хонадоннинг бижилдоқ бекаси.* Ойбек, Навоий. *Исмат ака 30 йиллик педагогик фаолияти давомида бир неча минг олов болалар*

ва бижилдоқ қизалоқларнинг миясига билим, мурғак қалбига.. одоб сингдирган моҳир тарбиячилардан. Газетадан.

2 Тинимсиз сайрайдиган, шовқин қиладиган (қушлар ҳақида). *Фақат ўнгда, терак бўйи пастликда, сой шовуллайди, рўпарадаги қалин боғлар қўйнида бижилдоқ қушларнинг чулдираб сайрагани эшитилади.* «Ёшлик».

БИЖИЛДОҚЛИК Ҳеч кимга гап бермаслик, эзмалик. *Ўз бижилдоқлиги билан колхозда «Қумри қақилдоқ» деб ном чиқарган аёл.* А. Мираҳмедов, Ўтюраклар.

БИЖИЛЛАМОҚ I *айн.* **бижирламоқ** I. *Осон савол тушди, «беш» қўйса ҳам бўларди, деб хурсанд бижиллади.* Мирмуҳсин, Умид. *Бора-боргунча бижиллаб, қулоқни батанг қилаверди.* «Ёшлик».

БИЖИЛЛАМОҚ II *айн.* **бижирламоқ** II. *Кўкариб кетган бу сассиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил қуртлар, тушган ерида бир-икки қилпанглаб, дарров ўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Баргларда бижиллаб ётган кўм-кўк, хира ширинча юз-кўзинг демай ёпишиб олади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

БИЖИМОҚ *айн.* **бижғимоқ.** *Йўлчи отхонанинг бир томонида уйилиб, сасиб, бижиб ётган гўнгни катта ерга элтиш учун арава қўшишга киришган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу бижиб, сасиб кетган хонани шамоллатинг, тозаланг!* А. Мухтор, Асарлар.

Бижиб ётибди *с.т.* Жуда кўп, тўлиб ётибди. *Унда пул бижиб ётибди.* ▬ *Ҳали ичи қора душман чиёндек бижиб ётипти.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БИЖИР-БИЖИР I **1**: **бижир-бижир қилмоқ** *(ёки* **гапирмоқ, сўзламоқ, товуш чиқармоқ***) айн.* **бижирламоқ** I. [*Қизлар*] *Шокир отанинг томи лабига қатор тизилишиб, бу «маҳсидўз қиз» билан бижир-бижир сўзлашиб кетар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гавҳарнинг бижир-бижир қилиб гапириб ташлагани шунчалик кулгили эдики, у ўзини тўхтатолмай, нафаси етмай, энтикиб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БИЖИР-БИЖИР II *тақл. с.* **1** *айн.* **бижбиж.** *Гўштни бижир-бижир қурт босибди.*

2 Кўзга ғимирлаётгандек, жимир-жимир қилаётгандек туйиладиган ва бир-бири билан чатишиб, туташиб, чаплашиб кетган майда нарсалар ҳақида. *Бижир-бижир хат. Бижир-бижир қилиб тикилган гул.* ▬ *Поёнсиз қирларнинг ниҳоятсиз бижир-бижир кўк гиламлари.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Атлас кўйлак киймайман, Бижир-бижир гули бор.* «Қўшиқлар».

БИЖИРЛАМОҚ I Ҳеч кимга гап бермай тез-тез, лаби лабига тегмай гапирмоқ; гапдонлик, маҳмадоналик қилмоқ. *«Сал ҳовлиқмароқ бўлса ҳам, жуда очиқ қиз экан, бижирлайвериб, келган докторларнинг ҳам бошини айлантириб юборди» — дилидан ўтказди Равшан.* Ф. Мусажонов, Равшан. *Карима хола қўлларини пахса қилиб бижирлай кетди.* «Муштум».

БИЖИРЛАМОҚ II Бижғиб, ғужғон ўйнаб, қайнаб ётмоқ; бижғимоқ (қурт-қумурсқа, майда жониворлар ҳақида).

БИЖҒИМОҚ 1 Микроорганизмлар ёки улар ажратадиган ферментлар иштирокида парчаланиб ачиб, қайнай бошламоқ (органик моддалар ҳақида). *Ёзда қимизлари бижғиб ётади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қаердаки бижғиган ахлат мавжуд бўлса, унинг устида бадхўр ҳашаротлар ғужғон ўйнайди.* «Муштум».

2 Ҳавоси бузилиб, сасиб кетмоқ; озодаликка риоя қилмай ивирсиб ўтирмоқ. *Худо ҳақи, уйингдан ялпи вагоннинг иси келади. Бижғиб кетибди.* А. Қаҳҳор, Сароб. -*Пайпоғингиз қурсин, бижғиб кетибди.. ахлатга опчиқиб ташладим, — деди хотини Орифжонга.* С. Аҳмад, Сайланма. -*Мен биламан, — деди домла, — опангиз табиати жуда нозик кўринади. Бунинг олдида Тўпанинг бижғиб ётиши яхши эмас.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *кўчма* Аччиқ гап, фисқу фасод қилмоқ. *Нималар деб бижғияпсиз?*

4 *кўчма* Тўлиб-тошиб, ғуж-ғуж бўлиб ётмоқ; авж олмоқ, кўпаймоқ (иғво, фитна ва ш. к. ҳақида). *Бижғиб борур фитнаю фасод, Имонларга, ҳайҳот, тушди дарз.* М. Али, Боқий дунё. *Унинг [Қоплонбекнинг] айёр кўзи ичида қайнаб, бижғиб ётган алам ва нафратни, баъзан-баъзан юрагини фош қилиб қўяй дер эди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

БИЗ *кш. олм.* 1-*ш. кўпл.* **1** Сўзловчи ва унинг атрофидагилар; сўзловчи ва у кўзда тутаётганлар. *Кеча станциядан чиққан автобус бугун бизни тонготарда мўлжалдаги жойга ташлаб кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Бизлар, бизлар, биз эдик, Бизлар бир талай қиз эдик. Бизларни уздилар. Бир ипга тиздилар (Гармдори).* З. Ҳусаинова, Ўзбек халқ топишмоқлари.

2 Биринчи шахс «мен» ўрнида ишлатилиб, камтарлик ёки, аксинча, мақтаниш, ғурурланиш, пинҳона ғурур маъноларини ифодалайди. *-Ким талабгор? -Мана, биз талабгор.* ■ *-Бизга ҳам хат борми? — дейди Мунисхон.* «Гулдаста». *Асал отлиққа йўқ, ҳали биз пиёда-ку!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Энди бизни қийнамай, ўзлари қуйсинлар! Қўлларидан ҳеч шароб ичмаганмиз.* «Гулдаста».

3 Ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олиб, «юртимизда», «элимизда», «орамизда» каби маъноларни англатади. *Сурнайчининг зўрлари бизда бўлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Нон-насибанг бизда бўлса, қоларсан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Лекин, ўртоқлар, бизда ялқовлар йўқ.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БИЗ-БИЗ *тақл с.* Визиллаган нозик товуш ҳақида. *Бизбизак биз-биз айланади.*

БИЗБИЗАК Тўгарак шаклдаги чарм ёки тугмача тешикларидан ип ўтказиб ясалган ва ипини чийратиб, икки учидан тортганда, тез айланиб, «биз-биз» овоз чиқарадиган ўйинчоқ. *Бизбизакни ипга тақиб, ғиз-ғиз ўйнайман.* Ойбек, Болалик. *Мотор бизбизакдай гувуллаб, жон-жаҳди билан айлана бошлади.* «Ёшлик».

БИЗБОП Сўзловчи ва у кўзда тутаётганларга тўғри келадиган, уларнинг дидига мос. *Айланай, болам, бир бизбоп сотадиган нарсаларинг борми?* «Луқмони Ҳаким». *Афсуски, улар орасида бизбоп, яъни халқнинг тили учида турган муҳим муаммолар кўтарилган асарлар кам учраяпти.* Газетадан.

БИЗИЛДОҚ *зоол.* Бизиллаган овоз чиқарадиган ҳашарот. *Супа ёнида шўрага қўнган бизилдоқ бир маромда мунгли бизиллайди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БИЗИЛЛАМОҚ Бизиллаган товуш чиқармоқ. *..атрофда сукунат ҳукмрон.. На бир қуш сайрайди, на бир бизилдоқ бизиллайди..* С. Нуров, Нарвон.

БИЗНЕС [*ингл.* businnes — иш, машғулот] Даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти; тижорат; ишбилармонлик. *Бизнес, хўжалик юритиши кўламига қараб, йирик, ўрта ва кичик турларга бўлинади.* «ЎзМЭ».

БИЗНЕСМЕН [*ингл.* businnessman — бизнес билан шуғулланувчи шахс] *айн.* **ишбилармон.**

БИЗНЕСЧИ *айн.* **ишбилармон.** *Орамизда пешқадам зиёлилар, номдор бизнесчилар.. бор.* «Муштум».

БИЗНИКИ *эг. олм.* 1-*ш. кўпл.* **1** Сўзловчига ва у кўзда тутаётганларга тегишли, қарашли. *Бу йилги экинлар, мевалар бизники бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гапир, ҳа, гапир! ..Сенинг гапинг гап-у, бизники гап эмасми!* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

2 *от взф.* Бизнинг уй, бизнинг ҳовли. *Ўрмонжон Сидиқжоннинг қулоғига: -Меҳмонларни бизникига олиб бор, мен орқаларингдан бораман, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Оббо, жиян-е, бизникини топиб келдингми? Ҳа, сўраб-сўраб, Маккани топадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *от взф. (асосан кўпл. шаклда)* Бизга тегишлилар; биз томондагилар. *Бизникилар ғалаба қозонди.* ■ *-Бизникиларнинг аҳволи қалай? — сўради Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

БИЗОАТ [*а.* بضاعت — мол, товар] *эск.* Орттирилган, тўпланган мол-дунё, бойлик; бисот. *Агарда бирон истаб келган нимарса ўз бизоатида бўлмаса, бир бошқа бор одамдан бўлса ҳам олуб бермоққа хизмат қилур.* Ҳамза.

БИЗОН [*лот.* bison — ёввойи буқа] *зоол.* Жуфт туёқлилар туркумининг қувушшохлилар оиласига мансуб ёввойи қорамол. *Бизонлар зубрларга қараганда бирмунча кичикроқ бўлади.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

БИЗҒАЛДОҚ *зоол.* Турнасимонлар туркумининг тувалоқлар оиласига мансуб чўл қуши.

БИЙ I **1** *тар.* Қабиланинг ёки қабилалар иттифоқининг бошлиғи, тўраси; кўчманчи ёки ярим кўчманчи туркий халқларнинг уруғ оқсоқоли. *Хон билганни бий билар, Сўзлагудай ҳадди йўқ.* Мақол. ■ *Излаганим бийнинг қизи, Жоним синглим, хуш қол энди.* «Алпомиш». *Яна катта-кичикларни йиғиб, номдор бийлардан ўн кишини Бойсарини олиб келгани юборди.* «Алпомиш».

2 Юқори мартабали кишиларни улуғлаш учун ишлатилган сўз ёки уларга берилган унвон. *Сиз улуғ мартабали меҳмондўст Ғиждувон беги Норбўтабий бинни Шодибекка етиб маълум бўлсинки..* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

3 Қозоқларда ва қирғизларда: оқсоқол (*қ.* **оқсоқол** 2). *Мен умримда тўрт хон кўрдим, Талай бий кўрдим.* Миртемир.

БИЙ II Танасининг узунлиги 3,5 см гача бўлган, узун сариқ тук билан қопланган заҳарли катта ўргимчак. *Дарвоқе, заҳарли бий ҳам ўз авлодларини худди шу тарзда ташқи душмандан ҳимоя қилади.* «Фан ва турмуш». *Пилладан эндигина чиққан бийчалар дарҳол она бий устига ғуж-ғуж бўлиб жойлашиб олади.* «Фан ва турмуш».

БИЙ III: **бий дала** Очиқ, кенг яланг дала, бийдай дала. *Бий далада ўзимизни совуққа олдирмаслик учун белкурак билан окопни чуқурроқ қазирдик.* Б. Имомов, Ҳорманг, қуролдошлар. *Куни кеча ўт қовжираб ётган бий далада бир неча соат мобайнида азим бино қад кўтармоқда.* Газетадан.

БИЙБУВА *тар. эск.* Эркаклар уюштирадиган зиёфатларда бошчилик қилувчи киши.

БИЙДАЙ, -дек 1 Очиқ, яланг; кенг. *Бийдай дала. Бийдай чўл. Бийдай дашт. Бийдай саҳро.* ▬ *Атроф бийдай дала, илиқ чўл шамоли эсади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бийдай дашт. Сокинлик. Отлар олға босади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Роса, боплаб. *Вой-й, соат тўққиз, Сайфиддин ака. Ойим мени бийдай қовурадиган бўлдилар-да.* Газетадан. *Маратни бийдай қовурди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

БИЙИ *шв. айн.* **биби.** *Она бийим соғмилар, жияним Жумагул бардамми?* Ж. Шарипов, Хоразм. *-Бийи, сиз ҳам кетинг, — деди Баҳригул.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

БИЙЛАМОҚ 1 Ботиниб рўпара келмоқ, яқинига йўламоқ, бетламоқ. *Унга ҳеч ким бийлай олмайди.*

2 *шв.* Эгалик, хўжайинлик қилмоқ, бошқармоқ. *Яхши ўғил бийлар ота молини, Ёмон ўғил сочар ота молини.* Мақол. ▬ *Садқайи ота кетинг! Шу муштумдай қизни ҳам бийлай олмайсизми?!* Ойбек, Улуғ йўл.

БИЙЛАТМОҚ Бийламоқ фл. орт. н. *Ухеч кимни ёнига бийлатмайди.* ▬ *Ҳар бир иш унинг [кундошнинг] буйруғи билан бўлади, ҳеч нимага мени бийлатмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Салим чол] ариқ лабига ўрнатилган каравотини саҳарлардан ҳеч кимга бийлатмай ўтирарди.* «Гулистон».

БИЙЛИК 1 Уруғ ёки қабила бошлиғи вазифасини адо этишлик. *Бийлик қилмоқ. Бийлик ҳуқуқи.*

2 Эгалик, идора қилиш ҳуқуқи; ҳукмронлик, хўжайинлик; эрк, ихтиёр. *Ўз бийлигинг ўзингда, Ишрат, сафолар қурдинг.* Ғайратий. *Рўзғорга ким бийлик қилади? Жанжалга мана шу нарса кўпроқ сабаб бўларди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қиз меники, бийлиги ҳам менда.* Уйғун, Асарлар.

3 Хоҳиш, ирода, буйруқ. *..даврнинг шундай разъездлари келадики, унда тўхтабтўхтамаслик амирлар, хонлар, хоқонлар амри билан эмас, балки оддий машинист бийлиги билан бўлажак.* Ғ. Ғулом. *Агар ҳар бир ташкилот.. ўз бийлигича қувур ётқизса, бу кўча уч қайта кавланади.* П. Қодиров, Эрк. *-Ўтир, дам ол! — бийлиги ўтадиган кишилар оҳангида деди опа.* Ойбек, О.в. шабадалар.

БИЙРОН I [*ф.* بُرّان — ўткир, кескир] **1**: **тили бийрон** Бурро-бурро гапирадиган, гапга чечан; сўзамол, гапдон. *Қизлик уйнинг тили бийрон, Совчиларнинг тили тийрон.* Мақол. ▬ *Нуқра шаддодгина, тили бийрон қиз эди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Бироқ Ҳабибанинг тили узунроқ, бийронроқ эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 *кўчма* Сайроқи. *Деҳқон тол тагига чўзилди бирпас, Тинди шохчадаги қушча ҳам бийрон.* А. Орипов. *Ўртанган авжлари бир бор титраса, Бийрон булбуллардан кабоб муҳайё.* Ғ. Ғулом.

БИЙРОН II [*ф.* بريان — қовурилган; қовурилган гўшт] Тобига етказиб қовурилган, пиширилган. *Кўрган киши ҳуснига бўлур ҳайрон, Ҳар ким кўрса, бўлар юраги бийрон.* «Эрали ва Шерали».

Жиғи бийрон *қ.* **жиғибийрон**. *Кампирнинг жиғи бийрони чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БИЙРОН-БИЙРОН *рвш.* Бурро-бурро, аниқ-аниқ, пухта-пишиқ. *Унинг [Лаълининг] бийрон-бийрон сўзларини эшитган Мирҳосил буткул маҳлиё бўлиб, термилиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ўзингиз ёш бўлсангиз ҳам, сўзларингиз бийрон-бийрон экан.* С. Зуннунова, Гулхан.

БИЙРОНЛАШМОҚ Нутқи тиниқлашиб бормоқ; тобора гапдон, сўзамол бўлмоқ. *Гўё зеҳни бояғидан ҳам ўткирлашиб, тили бийронлашиб кетгандай, шўх, кулгили гаплар хаёлига ўзидан-ўзи қуйилиб келарди.* О. Ёқубов, Мирзатерак. *Бу оҳанг Пўлатжоннинг юзларида табассум пайдо қилди, кўзлари сузилиб, тили бийронлашди.* Ойбек, Ҳикоялар.

БИЙРОНЛИК Сўзга чечанлик, гапдонлик; нотиқлик. *Набиранинг бийронлиги, ҳозиржавоблиги бувини лол қолдирди.* «Муштум». *-Сиз бошламайсизми, Рўзихон! — деди шогирдининг бийронлигини яхши кўрадиган Шоира.* «Ёшлик».

БИЙЧА Бий II сўзининг кичр. шакли. *Пилладан эндигина чиққан бийчалар дарҳол она бий устига ғуж-ғуж бўлиб жойлашиб олади.* «Фан ва турмуш».

БИКА 1 *шв. айн.* **бека.** *Тиккан тўни қамчидай, Қайин бикасига бир салом.* «Қўшиқлар».

2 *шв.* Аёллар қўшма исмларининг биринчи ва иккинчи қисми. *Бикабуви, Бикажон; Ойбика, Холбика, Суюмбика.*

БИКАМЕРАЛИЗМ [*фр.* bicameralisme] *ҳуқ.* Парламентнинг икки палатали тизими.

БИКАРБОНАТЛАР [би.. + карбонат] *ким.* Карбонат кислотанинг нордон тузлари.

БИКАЧ *шв. айн.* **бекач.** *Бойбўрининг Бодом бикачдан бўлган Ултонтоз деган яна бир ўғли бор эди.* «Алпомиш». *Ултонтознинг энаси Бодом бикачнинг тилини олаҳакка чўқиб, соқов бўлиб қолган эди.* «Алпомиш».

БИКВАДРАТ [би.. + квадрат]: *мат.* **биквадрат тенглама** Тўртинчи даражали тенгламанинг хусусий ҳолати.

БИКИР Пишиқ, бақувват. *Бикир йигит.* ▬ *Ҳамроқул ака — бақувват, бикир киши.* Газетадан. *Дўстмуҳаммад мешкобчи ўрта бўйли сариқ мўйлов, бикир йигит бўлиб.. бошқа мешкобчилардан кўпроқ меҳнат қилар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

БИКР [*а.* بكر — соф, тоза; бокира] *эск. кт.* **1** Янги, очилмаган, қўл тегмаган; тоза.

2 *кўчма эск. кт.* Иффатли қиз, бокира.

БИЛА *эск. поэт. айн.* **билан.** *Лаби лаълинг била сарву равонинг Бағишлар оби ҳайвону тириклик.* Атоий. *Олимжон 16 соатлик муддатни газета, журнал каби кўнгул очқичлари бўлган саҳифалар била ўтказуб, Тошкент истансасига етди.* Ҳамза, Асарлар.

БИЛАГУЗУК Аёллар билакка тақадиган зийнат буюми, тақинчоқ. *Япалоқ билагузук. Бодомча билагузук. Илонбоши билагузук. Бақабош билагузук. Олтин билагузук.* ▬ *Ҳаммасини этагимга тўкди: билагузук, тилла баргак, тиллақош, марварид-маржон, ҳар хил узуклар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Узун қўнғир сочлар ўтирганда ер ўпар, билагузук таққан билаклари оппоқ, беғубор эди.* С. Зуннунова, Олов.

БИЛАК 1 Қўлнинг тирсакдан кафт бўғимигача бўлган қисми. *Ота — билак, Она — юрак.* Мақол. ▬ *Унинг билаклари оппоқ, эр кишининг иштаҳасини қўзғайдиган ажиб эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чарос титраб энтикар, аммо қаршилик қилмас, ингичка қўллари Ёдгорнинг билагига осилганча, ожизгина силкинарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *с.т. айн.* **қўл 1**. *Ғайратсиз билак — ўринсиз тилак.* Мақол. *Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар.* Мақол. ▬ *Ҳозир юрагида ўти, билагида кучи, қалбида виждони бўлган ҳар бир кишининг ўрни пахтазордадир.* Газетадан.

Билак кучи 1) қўл кучи, жисмоний куч. *Ғалла халқимизнинг пешона тери, билак кучи билан бунёдга келганлиги учун ҳам азиз ва муқаддасдир.* Газетадан; 2) меҳнат ва унинг маҳсули. *Хонлар, подшоҳлар хазинасидаги олтинлар манбаи ҳам фуқаронинг билак кучидир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Билагида кучи бор** Куч-қуввати бор, меҳнатга лаёқатли, бақувват. *Менга билагида кучи бор эр йигит керак!* С. Сиёев, Ёруғлик. *Энди яна бир билагида кучи борга муҳтож экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Билак шимариб** *айн.* **енг шимариб** *қ.* **шимармоқ.** *-Бўрон тўхтагач, ундан ҳам яхшироқ ишлаяпмиз, — деди Бекбўта билакларини шимариб.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

БИЛАКС *айн.* **билъакс**. *Хатиб домла ўз фикрини, эмиш-мемишни янгилаб олишга мажбур бўлади, чунки, билакс, унга нон қолмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БИЛАКМА-БИЛАК Бир-бирининг билакларини тутган ҳолда. *..анҳор ёқасида билакма-билак сайр этиб юришлар..* «Ёшлик».

БИЛАКУЗУК Калтакесакларнинг кўпинча танаси тўқ кулранг, икки ёнида қорамтир йўллари бўладиган тури.

БИЛАН *кўм.* **1** Бош келишикдаги турли сўзлар билан ишлатилиб: 1) иш-ҳаракатнинг амалга ошишидаги биргалик, ҳамкорликни ифодалайди. *Отам билан келдим.* ▬ *Кўчаларни, қишлоқни, айниқса Маҳваш билан бирга дарс тайёрлаган жойларни.. жуда-жуда қўмсадим.* Т. Ашуров, Оқ от; 2) иш-ҳаракат ёки ҳодисага восита бўлган нарсани билдиради. *Ошнинг таъми туз билан, одам таъми сўз билан.* Мақол. *Сут билан кирган — жон билан чиқар.* Мақол. ▬ *Косада лағмон кўтариб кирган Марғуба бир қўли билан*

шишани ушлади. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади.* Газетадан; 3) иш-ҳаракатнинг тарзи, ҳолати ва ш. к. ни билдиради. *Бутун кучи билан. Ботирлик билан. Осонлик билан. Диққат билан.* ▬ *Хатда Санобар эрининг.. қайтишини сабрсизлик билан кутаётганини ёзар эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Акбарали тупроққа ёнбоши билан тушди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ойша хола бу овозни бутун қалби, борлиғи билан тинглarди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар; 4) иш-ҳаракатнинг қачон содир бўлгани ва қанча вақт давом этганлигини билдиради. *Маҳваш ҳам кундузи билан шу ерда бўлади.* Т. Ашуров, Оқ от; 5) иш-ҳаракатнинг бирор жой бўйлаб йўналишини билдиради. *Бу растада икки томонда беш-олтита катта дўкон бўлиб, тор, камгак йўл билан баззозликка, шоҳифурушлик растасига туташар эди.* Ойбек, Танланган асарлар; 6) иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг рўй бериши, юзага чиқишига қайси нарса сабаб (асос) бўлганлигини билдиради. *Командирнинг буйруғи билан келдим.* ▬ *Ҳар бир нарсага олдиндан ҳукм этиш тўғри эмас.. ҳар бир иш Оллоҳнинг буйруғи билан бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *бркт. боғл. взф.* 1) гап бўлакларини, асосан, уюшиқ бўлакларни боғлайди ва вазифасига кўра «ва» боғловчисига тенг келади. *У қалам билан қоғозни чўнтагига солиб, ўрнидан турганда, Бўтабой келди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Булар кўздан ғойиб бўлгандан кейин, Канизак билан Сидиқжон бутанинг орқасидан чиқишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) пайт ва тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда бош гап билан эргаш гапни боғлаш учун хизмат қилади. *Дераза очилиши билан, Йўлчи бошини кўтарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бармоқ сараклатиб, сўзга оғиз жуфтлаши билан, бирдан йўтали тутди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Ҳалво деган билан, оғиз чучимайди.* Мақол. *Ер бўлгани билан, ҳосил бўлмаса қийин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

Шу билан 1) *қ.* **шу(нинг) билан;** 2) шу ерда, шу ерга келганда. *Шу билан ишни тўхтатамиз. Шу билан мажлис тамом;* 3) шундай қилиб; хуллас. *Шу билан, Умри беном-нишон йўқолди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Шу(нинг) билан** Шунинг баробарида, шу билан бир қаторда. *Шунинг билан маълум қиламизки.. Шунинг билан етиб маълум бўлсинки..*

БИЛАНГ-БИЛАНГ: биланг-биланг қилмоқ *айн.* **билангламоқ.** *Балиқдай биланг-биланг қилиб, гоҳ униси ўзиб кетади, гоҳ буниси.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

БИЛАНГЛАМОҚ 1 Эгилиб-тўғриланиб ҳаракат қилмоқ, илондек тўлғанмоқ, ҳар томонга чайқалмоқ. *Ўнгирнинг қоқ ўртасида йўғонлиги билакдай келадиган илон биланглаганча у томон ўрмаламоқда эди.* «Ёшлик». *Илон биланглаб қоча бошлаган эди, хода билан урдим.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

2 *кўчма* Қинғир-қийшиқ, эгри-бугри кўринишда бўлмоқ. *Тоғнинг кунгай ёнбағридан биланглаб тушган ёлғизоёқ сўқмоқ йўл унга ёд бўлиб кетган.* «Ёшлик».

БИЛАР-БИЛМАС *рвш.* Аниқ билмаган, хабардор бўлмаган ҳолда, аниқ билмасдан туриб. *Билар-билмас гапирма.* ▬ *Зулукни, билар-билмас, касалликни аниқламай туриб, дуч келган жойга солиш ярамайди.* «Саодат». *Дунёда олтиндан китобдир қиммат, Билар-билмас, устоз, жавоб айладим.* «Нурали».

БИЛАРМОН 1 Ҳар нарсадан хабардор, билағон, билимдон. *Билармон одам.* ▬ *Ўз ишига ақли етадиган, анчагина билармон бўлгани учун.. уни ҳам ёнимга ишга олдим.* Шукрулло, Сайланма. *..Икки билармонни текширишга юбориб, олган маълумотим шуми?* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

Иш билармон *қ.* **ишбилармон.** *Сўз умуман Қосимжон бойвачча тўғрисида кетди, унинг иш билармонлиги, тараққийпарварлиги айтилди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Ўз билармон** *қ.* **ўзбилармон.** *Бошқаларнинг ишини камситишни яхши кўрган бу «ўз билармон» одам бу гал жиндай ён беришга мажбур бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..халқнинг айтган сўзини ерга урма, ўзи билармон бўлма.* «Муродхон».

2 *кест.* Ўзини билимдон деб фаҳмлайдиган; ўзбилармон. *Ҳар вақт ўз гапини маъқуллашга, билармон бўлиб кўринишга уринади.* Газетадан.

БИЛАРМОНЛИК 1 Бой билимга эгалик; билимдонлик, билимлилик.

2 Билағонлик, билармонлик даъвоси.

Билармонлик қилмоқ Ўзини билимдон фаҳмлаб иш тутмоқ, билар-билмас иш қилмоқ, гапга аралашиб кетмоқ. *Баъзи бир енгилтак одамлар, билармонлик қилиб, ҳадеб*

бидиллайверса, ҳай, сал оғирроқ бўл, дегандек елкасидан босиб қўйилади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

БИЛАҒОН 1 *с.т.* Кўп нарсадан хабардор бўлган, кўп биладиган, билармон. *У баъзи нарсаларни катта танаффусда билағон ҳамкурсларидан сўраб олмоқчи эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ўзиям чўрткесар, билағон одам эди.* «Ёшлик».

2 «Аслида ҳеч нарсани билмайдиган», аравани қуруқ олиб қочувчи. *Сен жуда билағон, ҳаддан ташқари билағон бўлиб кетибсан.* С. Зуннунова, Кўзлар. *Доимо ўзингизни билағон, бошқаларни нодон ҳисоблайсиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БИЛАҒОНЛАРЧА *рвш.* Кўп нарсани билганларга ўхшаб, билағонлар каби. *Болалардан бири нимадир демоқчи бўлиб, энди оғиз очган эдиямки, иккинчиси билағонларча жавоб берди.* Н. Улуғжонов, Кичик ҳикоялар.

БИЛАҒОНЛИК Кўп нарсани билишлик, кўп нарсадан хабардорлик; билимдонлик. *Билағонлигимни кўрсатиб қўйгим келди.* «Шарқ юлдузи». *Мirобиднинг билағонлиги қўзиб, гап бошлаётувди, атроф олатасир бўлиб кетди.* Газетадан.

БИЛВОСИТА [*а.* بالواسطه – ёрдамида, воситасида] Бирор кимса ёки нарса воситасида, бавосита. *Бирор соҳа йўқки, унга ўқитувчининг бевосита ёки билвосита қўшган ҳиссаси бўлмасин.* Р. Усмонов, Одобнома. *Муаммо янги метод – билвосита ўлчаш билан ҳал этилади.* Газетадан.

БИЛГАНИЧА *рвш.* Қайси даражада билганига, хабардор бўлганига яраша, баҳоли қудрат, қўлидан келганича; режасиз, палапартиш. *Ҳамма ўз билганича қичқиради, зулмдан, жабрдан шикоят қилади, зорланади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳар ким билганича насиҳат қила бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозир Амударё ва Сирдарё сувларидан ҳар ким ўз билганича ишлатиб, фойдаланмоқда.* «Фан ва турмуш».

БИЛГИЛАРИЧА *айн.* **билганича.** *..маъмурлар ўз билгиларича халққа янги солиқ соладилар.* Ойбек, Навоий.

БИЛГИР *айн.* **билгич.** *Билгирларни мунда айтиб келинглар, Нима бўлса, ҳисобида бўлинглар.* «Юсуф ва Аҳмад». *Билгир экан келган Сахмон, ҳамма гапни айта солди.* «Ҳасанхон».

БИЛГИЧ Яхши биладиган, билармон, топқир (одам). *Бозорга хабар қилинглар, буларнинг тилини билгич одам чиқиб қолар.* «Ёдгор». *Халқдан чиққан билгичлар ахир тўғри йўлни топади-да.* Ойбек, Болалик. *Билгич одамлар, ҳар қандай ҳолда ҳам тажрибага мурожаат қилган маъқул, дейишади.* «Фан ва турмуш».

БИЛГИЧА *рвш. айн.* **билганича**. *Аматжон ердан ўз билгича фойдаланади.* С. Сиёев, Аваз.

БИЛДИРГИЧ *айн.* **маълумотнома.**

БИЛДИРИШ 1 Изҳор қилиш, маълум қилиш, хабар бериш. *Миннатдорчилик билдириш. Ишонч билдириш. Эътироз билдириш.* ▬ *Абдулла ака.. кейинчалик ҳам [қора хатни] билдиришга журъат этолмади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Биров келганини билдириш учун секин йўталиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Йўлчи қизнинг бундай туйғунлиги ва фидокорлигига ўзининг чуқур ташаккурини қандай билдиришни билмай қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *расм.* Кўпчиликка етказиш, маълум қилиш учун тайёрланган ёзма ёки босма хабар, эълон; билдиришнома.

БИЛДИРИШНОМА Юқори органлар ёки мансабдор шахсга бирор маълумотни етказиш лозим бўлганда тақдим этиладиган муфассал ёзма ахборот. *Кимга йўлланганига қараб, билдиришнома ички ва ташқи турларга бўлинади.* «Иш юритиш».

БИЛДИРМОҚ 1 Билмоқ 1-5 фл. орт. н. *Қоровул томоқ қириб, ўзининг уйғоқ эканини билдирди.* Мирмуҳсин, Умид. *Наврўз Янги кун, Янги йил деган маънони билдиради.* «Фан ва турмуш». *Бу ҳам сенинг ўз ишингга садоқатингнинг зўрлигини билдиради.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Ошкор қилмоқ, сездирмоқ; очмоқ. *Жўмард йўқлигини билдирмас, тулпор – очлигини.* Мақол. ▬ *Кўрганнинг тили билдирар, Куйганнинг – дили.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бу сирни эрингдан бошқа ҳеч кимга билдирма.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Меҳмон борса бахилларнинг уйига, Атай қопиб, ҳарна феълин билдирар.* «Юсуф ва Аҳмад».

3 Изҳор қилмоқ, айтмоқ. *Азизхон қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Улар ачиниб, Муроддан аҳвол сўрашди, ҳамдардлик билдиришди, кўнглини кўтаришди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Ҳар қандай инсон ўз фикрини билдириб, қалбини ёзишга ҳақли.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

4 Далолат бермоқ, кўрсатмоқ. *Отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳой-ҳуйлаши манзилнинг яқинлигини билдирар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қизил чироқ ёнди бирдан, Тўхташимни билдириб.* «Ёш куч».

БИЛЕТ [*фр.* billet < *лот.* bulla – хатча, расмий ёзувли кичик хат] **1** Бирор нарса (транспорт воситалари)дан фойдаланиш, бирор жойга (театр, спорт саройи ва б.) кириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, чипта. *Трамвай билети. Циркка кириш учун билет.* ▬ *Тўғри вокзалга келиб, Қўнғирот поездига билет олдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кондуктор бизнинг рўпарамизга келиб қолди. Мен дарҳол Ҳафизахонга илтифот қилдим: -Билет олдингизми, йўқми, Ҳафизахон?* «Гулдаста».

2 Бирор ташкилот, партия, ижтимоий-сиёсий гуруҳга ёки ҳарбий соҳага аъзоликни, алоқадорликни тасдиқловчи расмий ҳужжат. *Партия билети. Аъзолик билети. Студентлик билети. Ҳарбий билет.* ▬ *Халқ-демократик партиясининг янги аъзоларига партия билетлари топширилди.* Газетадан. *У ерда [тугунчада] Дадахон аканинг ҳарбий билети, аллақандай ташаккурномалар.. бор эди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 Имтиҳон саволлари ёзиб қўйилган варақа. *-Билет олинг, – деди. Имтиҳон пайтида билет нима-ю, чўғ нима! Шафқат тилагандай секин қараб қўйдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Имтиҳон қоғозини ташлаб, дуч келган билетни олдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Ўйинда пул ёки бошқа хил ютуқлар чиқишини ваъда қилиб сотиладиган ҳужжатлар. *Лотерея билети.* ▬ *Жўравой билетларни қўлига олгач, мажбурлаб берилган лотереяларга кўпинча ютуқ чиқади, деган миш-мишларни эслаб, кўнглида қандайдир умид учқуни йилт этди.* «Ёшлик».

БИЛЕТЧИ Театр, кинотеатр, истироҳат боғи, стадион ва ш. к. жойларда томошабинларнинг билетини текширувчи ходим, назоратчи.

БИЛЖИНГ-БИЛЖИНГ: билжинг-билжинг қилмоқ Кўп гапирмоқ, эзмалик қилмоқ, ўринсиз гапни кўпайтирмоқ. *Бир бедаво, эзма, чакагига суянган экан, Зуҳранинг уйидаги аҳволи, машғулотини суриштириб, билжинг-билжинг қилади.* А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор.

БИЛЖИРАМОҚ I Алжирамоқ, жуда эзмалик қилмоқ, кераксиз гапни кўпайтирмоқ. *Вакил.. маориф тўғрисида ҳам «оқ ваҳма» қилган ва куракда турмайдиган мантиқлар ёзиб, билжираган эди.* Газетадан.

БИЛЖИРАМОҚ II *айн.* **билчилламоқ.** *Тўсатдан шамол эсди. Билжираб ётган далада ёйилиб юрган қўй-қўзиларнинг туёқлари, жунларига ёпишган лой музлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

БИЛИК *эск.* Билим, илм; ақл. *Кетурдилар ҳакими нуктадонни, Билик бирла жаҳон ичра жаҳонни.* А. Навоий, Фарҳод ва Ширин.

БИЛИМ 1 Объектив борлиқ ҳақидаги ёки муайян (илмий, маданий, маърифий, маънавий, ҳарбий ва б.) соҳаларга оид илмий, амалий маълумотлар, тушунчалар мажмуи; илм. *Тил билими. Ер билими. Ҳуқуқ билими. Билим бахт келтирар.* Мақол. ▬ *Билим – олтиндан қиммат, қиличдан кескир, замбаракдан кучли.* Газетадан. *Чинакам хаёл гениал билим талаб қилади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Биздан талаб қилинадиган нарса бутун куч ва ҳарбий билимни ишга солиш..* Н. Сафаров. *Шу [газета ва журналлар ўқиш] билан дунёвий билимларга бўлган ташналикларини қондирар, оламдаги гаплардан хабар топар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Ўқимишлилик даражаси, маълумот, қобилият (эрудиция). *Унинг билими зўр. Билимим етишмайди. Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар.* Мақол. ▬ *Бу мансабга у ҳалол меҳнати, билими, эл ишига садоқати туфайли эришди.* Газетадан. *Менга қолса, институтга эшик қолиб, тешикдан кирмагани маъқул.. Ўз билими билан кирсин.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёдгор унинг отини билолмай қолган бўлса ҳам, билимига тан берган, узоқ вақтгача қизнинг гапларини, чиройли чеҳрасини унутолмай юрган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Билим юрти 1) ўқув юрти (мактаб, институт ва ш. к.) *Педагогика билим юрти*; 2) *тар.* 1930 йилгача: ўрта педагогик ўқув юртларининг номи. *Тошкент ўзбек билим юрти.*

БИЛИМДОН 1 Билимларни мукаммал эгаллаган; катта илмга, маълумотга эга бўлган; билағон, ўқимишли; билимли. *Билимдон одам.* ▬ *Нодон зарбоф тўнда ҳам нодон, Билимдон чирик чопонда ҳам билимдон.* «Қанотли сўзлар». *У – билимдон ва меҳрибон*

устоз, мураббий, сирдош дўст, куюнчак ва меҳнаткаш инсон. «Ёшлик». *Ақлли, билимдон киши суви мўл дарёдек шовқин-суронсиз умр кечиради.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

2 Катта иш тажрибасига эга; ўз ишини, соҳасини яхши биладиган; омилкор, билармон. *Билимдон ишчи.* ▬ *Уни [Ҳадичани] қишлоқ аёлларининг энг ўктами, билимдони деб мақташар эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

БИЛИМДОНЛИК Билимларни пухта эгаллаганлик; билағонлик. *Мударрислар ўз билимдонликларини кўрсатиб обрў орттириш учун бирон масала устида итдек олишар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Билимдонлик қилмоқ *айн.* **билармонлик қилмоқ** *қ.* **билармонлик.**

БИЛИМДОР *кам қўлл. айн.* **билимли.** *-Хўп бўлмаса, — деб темирчини етти йил ўқитиб, илмдор, билимдор қилган экан.* «Луқмони Ҳаким». *-Сизни илмдор, билимдор қилишликка тоқатим камроқ, — дебди.* «Луқмони Ҳаким».

БИЛИМЛИ *айн.* **билимдон 1**. *Билимли ўзар, билимсиз тўзар.* Мақол. *Устоз билимли, шогирд илмли.* Мақол. *Олтин ерда қолса ҳам, билимли йўлда қолмас* Мақол. ▬ *Азизанинг назарида, ҳар томонлама мукаммал, одобли, билимли йигит шу эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ўз касбининг устаси, моҳири, тажрибакор. *Зироат илмига олим, билимли деҳқонсан.* Ҳабибий. *Билимли, кўзли деҳқонларни кўрдик.* Ҳабибий.

БИЛИМСИЗ 1 Билими, илми йўқ; маълумоти йўқ, ўқимаган; нодон. *Билимсизга иш йўқ, ишсизга ош йўқ.* Мақол. ▬ *Навоий билимсиз табибларни жаллод шогирдига ўхшатади.* «Фан ва турмуш».

2 Турмуш тажрибасига эга бўлмаган, турмушнинг икир-чикирларини билмайдиган; тажрибасиз. *Чўл ўзлаштириш, чўлда ишлаш билимсизга қийин экан.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БИЛИМСИЗЛИК Билим бойликларидан бехабарлик, жаҳолат. *Жаҳолат зулматида кўп замон беҳуда умр ўтди. Оғир ғафлатда қолганмиз, билимсизлик бало келди.* Ҳабибий. *[Латофат] Кўпинча театр санъатидан билимсизлигини ўйлаб, ҳозирги муваффақиятларининг вақтинчалигини тобора яққолроқ ҳис этиб, ич-этини ер эди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

БИЛИНАР-БИЛИНМАС Деярли сезилмайдиган, билинмайдиган даражада, салпал билинадиган. *Раъно бурни устидаги билинар-билинмас марварид резаларини рўмоли билан артди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Аланга ёлқинида қизнинг киприклари, лаблари билинар-билинмас нафис ҳаракатлар қилаётганга ўхшаб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БИЛИНАРЛИ Билинадиган, сезиладиган, сезиларли. *Билинарли ўзгариш. Ер билинарли даражада силкинди.*

БИЛИНГВИЗМ [би.. + *лот.* lingua — тил] Икки тилда сўзлай олишлик; икки тилни билишлик; икки тилдан фойдаланишлик; икки тиллилик. *Ўзбек-тожик билингвизми. Ўзбек-рус билингвизми.* ▬ *Бу диалект.. билингвизмни сақлашига қараб характерланади.* «ЎТА».

БИЛИНИБ-БИЛИНМАЙ *рвш.* Унчалик сезилмаган ҳолда, билинар-билинмас даражада. *Бек бир муддат унинг ниҳолдек бўйбастига, ҳалпиллаган кўйлак тагида билиниб-билинмай турган ингичка белчаси, озғин елкаларига илк дафъа мўъжизага дуч келган одамдек маҳлиё термилди.* «Ёшлик».

БИЛИНМОҚ 1 Очиқ-ошкор ҳолатли бўлмоқ; ошкор бўлмоқ. *Мард майдонда билинар.* Мақол. *Дўст юзидан билинар, Душман — изидан.* Мақол. *Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам билинади.* Мақол.

2 Намоён бўлмоқ, сезилмоқ, акс этмоқ. *Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.* «Фан ва турмуш». *Унинг энсаси қотгани билиниб турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БИЛИНТИРМОҚ Билинмоқ фл. орт. н. *Алимардон чолғунинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўраркан, тағин билинтирмай уф тортиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Севги юракка билинтирмай кириб олади, деганлари шу бўлса керак.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БИЛИТТИФОҚ [*а.* بالاتّفاق — ҳамжиҳатлик билан, келишиб; тасодифан] *рвш. эск.* Иттифоқлик, аҳиллик билан, маслаҳатлашиб, келишиб. *Икки меҳрибон билиттифоқ фақир бошимни икки қилишга қарор берибдилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

БИЛИШ 1 Билмоқ фл. ҳар. н. *Ҳид билиш. Ҳар ким ўз вазифасини билиши керак.* ▬ *-Пул топиш қийин, — соқолини тараб деди бой, —*

аммо пул харажат қилишни билиш ундан ҳам қийин. Ойбек, Танланган асарлар. *Агар ҳамма нарсани олдиндан билиш мумкин бўлганида, унинг ҳеч бир қизиғи қолмасди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Олдин дарёнинг чуқур, саёз жойларини билиш керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Борлиқ ва унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, англаш, ўзлаштириш, эгаллаш. *Билиш назарияси. Тилнинг ривожланиш қонуниятларини билиш.* ▬ *Шариат ақидаларига доир масалалардан яна бири худони билиш хусусиятидир.* «ЎТА». *Китобни ҳақли равишда дунёни билишнинг қудратли воситаси деб атайдилар.* Газетадан.

3 Бир-бирини яхши билиш. *Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш.* Мақол.

4 Хабар олиш, кириб кўриш. *Зумрадни билиш эсингиздан чиқмасин, ая!* С. Зуннунова, Олов.

БИЛИШИМЧА *крш. с.* Менга маълум бўлишича, менинг билишимга қараганда, менинг тахминимча. *Бу ишга, билишимча, ҳозир жазм қилдинг.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Ҳожи:] Бурунги замонда битта одам, менинг билишимча, жуда нари борса, уч ярим пуд пахта терар эди, ҳозир йигирма беш пудга еткaзиб терар эмиш.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БИЛКУТ *этн.* Қадимий туркий қабилалардан бирининг номи. *Ўша кезларда Улуғбекка оталиқ қилиб туркларнинг билкут қабиласидан чиққан йирик амир Шоҳмалик тайинланади.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

БИЛЛА *с.т.* Бирга, биргаликда. *Билла бормоқ. Билла бўлмоқ.* ▬ *Соқибулбул Шодмон мерган, Ҳасанхонман билла кетди.* «Гулнорпари». *Исфаҳондан билла келган, Қўшинимга сардор бўлган..* «Юсуф ва Аҳмад».

БИЛЛИАРД *айн.* **бильярд**. *Биллиард столи.* ▬ *Бировлар овқатланмоқда, яна бировлар биллиард ўйнамоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

БИЛЛИАРДХОНА Биллиард ўйини учун мўлжалланган, биллиард ўйналадиган хона. *Ўртада ошхона, катта биллиардхона.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Ёзги мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Биллиардхона ҳам кенгайтирилди.* Газетадан.

БИЛЛО *с.т. айн.* **биллоҳ**. *Билло, азиз хислатда мандан яхшидур хасчи.* Ҳамза.

Биллойи азим *айн.* **биллоҳи азим** *қ.* **биллоҳ.** *Минг биллойи азим, агар шу ерларга араванинг гупчагини кўмсангиз, қайрағоч кўкариб чиқади.* "Ўзбекистон қўриқлари".

Биллоҳил-азим *айн.* **биллоҳи азим** *қ.* **биллоҳ.** *Қичқирма, биллоҳил-азим, бошингни кесаман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

БИЛЛОҲ [*а.* باﷲ – Аллоҳга қасамки] *эск.* Худо ҳақи. *Биллоҳ, ҳар ракат намозга юкунганимда, Бобо Машрофни ёдга олиб, халлоқи олам раҳматини тилайман.* «Ёшлик». *Жаҳондин ким десун биллоҳ керакмас манга жон онсиз.* Бобур.

Биллоҳи азим Улуғ худо ҳақи.

БИЛЛУР [*ф.* بلّور – хрусталь; кристалл] **1** Юқори навли тиниқ оқ шиша ва ундан ясалган қимматбаҳо идиш-оёқ; хрусталь. *Биллур қадаҳлар. Биллур қандил. Биллур гулдон.* ▬ *Асл молга ўхшайди, биллур гулдон.* М.М.Дўст, Лолазор. *..уй эгасига яна катта мартабалар тилаб, биллур қадаҳларни жаранглатишди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *..шипда биллур қандил, деворда афғон гилам.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

2 *эск. айн.* **кристалл.** *Энди кўтарила бошлаган офтобнинг нури довсиз-дарахтсиз чўлни қоплаб, қор биллурларини олмос майдаларидай ялтиратаётган бўлса ҳам, уларни эрита оладиган таъсирга эга эмас эди.* С. Айний, Қуллар.

3 *кўчма* Оппоқ, беғубор, мусаффо. *Валижон биллур тошлар орасидан қайнаб чиқаётган тиниқ сувга қадалиб, хиёл жим қолди.* О. Ёқубов, Лолазор. *Шағал тошлар устида шарқираб оқаётган тоғ суви – биллур.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БИЛЛУРИЙ *айн.* **биллурсимон**. *Қани у дарёлар – биллурий сувлар, Қани у тўлқинлар, зангори ҳаво!* И. Маҳмуд, Эътироф. *Таъзим сенга, она ер! Биллурий сувларинг эса зилол боғлар, сўлим оромгоҳлар ҳадя этади.* Газетадан. *Яхмалак отасан шодон қийқириб, Овозинг жаранглар биллурий боғда.* А. Орипов.

БИЛЛУРИН *кам қўлл. поэт.* **1** Биллурдан қилинган; биллур каби тиниқ, шаффоф. *Биллурин қадаҳ.* ▬ *Шифтда биллурин қандил.* С. Аҳмад, Пойқадам. *Зумурад бутоққа олтин чаноқда Биллурин май тутар кўркам пахтазор.* Ғ. Ғулом.

2 *эск.* Кристаллардан тузилган; кристалик.

БИЛЛУРСИМОН Биллурга ўхшаш, монанд; биллур каби. *Ҳаво очиқ, аёз, ер-кўк оппоқ қор. Тўлин ой шуъласида қор парчаси биллурсимон товланади.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

БИЛМАК *поэт. айн.* **билмоқ 1.** *Ҳолингни билмакка келдим, Сўзлашиб турмакка келдим.* «Нурали». *Билмак бўлсанг унинг севгисин, Қалбинг тингла, шошма, ошиқма!* Шукрулло, Сайланма.

БИЛМАМ *поэт.* Билмадим, билмайман. *Билмам, авлоди башарму ё пари фарзандиму?* Ҳабибий. *Билмам, на таманнодир фикри била шод ўлмас, Ҳар кеча тонг отгунча рухсору чароғ истар.* Ҳабибий.

БИЛМАСЛИК Бирор нарса, воқеа ёки ҳодисадан бехабарлик. *Тил билмаслик биринчи ҳафталарда уларни қаттиқ қийнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабек ила қутидорларнинггина эмас, ҳатто поччам ила жиянимнинг ҳам маним бу ишда иштироким борлигини билмасликлари керакдир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Билмасликка олмоқ Ўзини бехабардек қилиб кўрсатмоқ, билмагандай бўлмоқ, ўзини бехабардек тутмоқ. *Тантибойваччанинг нафаси ичига тушиб кетди, лекин бу ўнғайсиз, чатоқ аҳволдан қутулиш учун яна ўзини билмасликка олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Паролга жавоб берса берди, бермаса ўзимни билмасликка олиб, алоқанинг бошқа йўлини излайман.* К. Яшин, Ҳамза.

БИЛМОЛ: таъзири билмол [*а.* تعزيربالمال] *эск.* Мусодара; жарима. -*Дарра билан таъзир бердиргандан кейин, — деди бошқа бири, — таъзири билмол ҳам қилдириш керак, токи ҳокимга бир нарса унсин.* С. Айний, Қуллар. *Таъзири билмол қилдириш учун уларнинг ортиқча моллари йўқ.* С. Айний, Қуллар.

БИЛМОҚ 1 Бирор нарса, ҳодиса ёки фикрнинг моҳиятига етмоқ, бирор соҳада маълумотга эга бўлмоқ. *У биладиган одам. Сиз математикани биласизми?* ▬ *Кошки тил билса-ю, у билан суҳбатлаша қолса!* Ойбек, Танланган асарлар. *Тирик бўлганда, ўнта ўғилнинг ўрнини босадиган қизи борлигини биларди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Сиз ярамаснинг қилиб юрган ишларингизни биламан.* С. Аҳмад, Уфқ.

Хат билмоқ Хат-саводли бўлмоқ. *Уста Мўмин, раҳматлик, хат билар эди, китоб кўриб, боланинг отини Ёдгор қўйди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Бирор соҳа ёки ишда маълум ўқув ёки малакага эга бўлмоқ. *Шахмат ўйнашни биласизми? У дўппи тикишни яхши билади.* ▬ *Янги от, янги файтун. Ҳа, қўшишни, ҳайдашни биласизми?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Турмуш тажрибаси туфайли хабардор, ошно, таниш бўлмоқ. *Кўп яшаган билмас, кўпни кўрган билар.* Мақол. *Қари билганни пари билмас.* Мақол. ▬ *Ақл ёшда эмас, бошда деган одам, билиб айтган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Хабардор, воқиф бўлмоқ. *Сиз уйда экансиз, билсам, дафтаримни олиб келар эканман.. эсизгина.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Кўп гапларни билиб қайтди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Биламан, биласан, биласиз *ёки* **биласизки** *крш с.* Таъкид, тасдиқлаш, уқтириш маъносини ифодалайди. *Биламиз, Бобомурод полвон, сизнинг қўрангиз марказдан олисда.* С. Анорбоев, Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари. *Биламан, тилларнинг ёмони йўқдир, Ҳар тилнинг ўз кўрки, улуғлиги бор.* Шуҳрат, Ёшлигимнинг давоми. **Биласанми, биласизми** *крш с.* Хабаринг(из) борми. -*Биласанми, бу ерда фақат «95» дамлайди, — деди у Муродга пиёла тутиб.* Т. Ашуров, Оқ от. *Биласанми, мелисадан дадамнинг эшагини ҳайдаб кетаётганимни ҳамма кўрди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Биласизми, Мансур ака, мактабни битириб, институтга кирмоқчиман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Билмадим** 1) хабарим йўқ. *Билмадим, бугун нима важ қилди экан.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо; 2) эҳтимол, балки. *Билмадим, қайси бир ишимиз худога хуш келмаган экан.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу дабдабаю бу ҳурмату эъзозни кўриб, билмадим, қай аҳволга тушар экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Билмадим, бу хаёл чол бўлиб букчайиб қолганимда ҳам ўзгармаса керак.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. **Билмай** *ёки* **билмасдан** 1) хабари бўлмаган ҳолда, тушунмай-нетмай. -*Эҳтимол, жуда ҳам катта гуноҳ эмасдир, чунки билмасдан, тушунмасдан қилинган иш, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) тасодифан, ногаҳон. *Кечирасиз, билмасдан келибман.* **Билмасам** *айн.* **билмадим 1**. **Билсанг, билсангиз** *крш с.* Сенга (сизга) маълумки. *Имон, Аваз, билсанг, сувдай гап.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ким билсин** *ёки* **ким билади** Ҳеч кимга маълум эмас, ҳеч ким айта олмайди. *Ҳай, мен нега уни бевақт уйғотяпман, ким билсин, бу хил уйқу кенжамга яна қачон насиб қилади, бир*

оз ором олсин. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Киши билмас** *қ.* **киши. Худо билсин** (*ёки* **билади**) *айн.* **ким билсин.** *Қоронғуда яхши ажрата олмадим, тусини ғира-шира анови қора Ҳомидга ўхшатдим. Тағин уми, бошқами, худо билсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзинг биласан** *крш с.* Ўзингга, сенга маълумки. *Ўзинг биласан, Раббим ака битта чивин чақса, Африкагача бориб тутиб, эзғиламагунча қўймайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

5 Ҳис этмоқ, сезмоқ; идрок этмоқ, англамоқ, фаҳмламоқ, тушуниб етмоқ, уқмоқ, пайқамоқ. *Ҳар ким ўз айбини билмас.* Мақол. *Аҳмоқ ҳориганин билмас.* Мақол. ▬ *Сен билан бўлсам, вақт қандай ўтганини билмайман.* Ойбек, Нур қидириб. *Гапни айлантириб ўтиришдан фойда йўқлигини билиб, кўнглидаги бор гапни айтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Биз энди ўз ҳақ-ҳуқуқимизни биламиз.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Мен сенга муносиб эмаслигимни бугун билдим.* С. Аҳмад, Уфқ.

6 Тан олмоқ, қадрига етмоқ, тақдирламоқ. *Эр йигитнинг қадрини оғаси эмас, эл билур.* Мақол. ▬ *Шошмай тур, ҳали у иззатини билмаган итваччани тутиб, адабини бердирмасам, Мадумар отимни бошқа қўйиб юбораман.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

7 Танимоқ, таниш бўлмоқ. *Бу ерда мени ҳеч ким билмайди.* ▬ *Норматовни сизлар қанча билсаларинг, мен ҳам шунча биламанда.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Мен сиз билган Шокирбек эмас, тошкентлик Юсуфбек ҳожининг ўғли ва марғилонлик Мирзакарим аканинг куёви – Отабек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 ..деб ҳисобламоқ, ..деб санамоқ, ..деб билмоқ. *Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.* Мақол. ▬ *Ҳалиги гапимни сир деб бил!* Ойбек, Танланган асарлар. *Бола ўз қайғусини бутун бир дунёнинг қайғусидек билар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чунки у «оддий ҳақиқат бир минг бўёқдан соз», деб билади.* С. Зуннунова, Олов.

9 Уддасидан чиқмоқ, эплай олмоқ. *Ҳали сиз ёлғон гапиришни ҳам биласизми?* А. Қаҳҳор, Айб кимда? *Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 Ихтиёри, измида бўлмоқ. *Сиз тушунмаяпсиз, ойи.. ҳали тағин дадаси биладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўзингиз биласиз 1) ўзингиз хабардорсиз, ўзингизга маълум. *Ўзингиз биласиз, мен гапирмасдан туролмайман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) ихтиёр ўзингизда. *Офтоб ойим.. тилар-тиламас «ўзингиз биласиз» жавобини берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..бир кор-ҳол бўлмасин дейман. Тағин ўзингиз биласиз.* К. Яшин, Ҳамза.

Билганинг билган Ҳаммасидан ўз ақлингга келгани, ўз билигинг билан қилганинг дуруст. *Кўпчилик бир нафас жим ўтиришди. Сўнгра ора-орадан: -Сизнинг билганингиз билган, мулла, – деган маъқулловчи товушлар эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Билганингдан қолма** Ўз ақлингга таяниб иш тут, ўз ақлингга келганини қилавер. **Билганини қилсин** Хоҳлаганини, кўнглига келганини қилсин; ихтиёр ўзида. *-Шунчалиги ҳам бор, – деди Зокир ота кетгани қўзғалиб, – майли, билганини қилсин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тилини билмоқ** Бирор нарсанинг сирини, ундан фойдаланиш йўлини билмоқ. *У пахта териш машинасининг тилини яхши билади.* **Қуш тилини қуш билади** Ҳар тоифа кишилар билан муомала қилишни, сўзлашишни шу тоифа кишиларининг ўзи яхши билади.

БИЛМОҚЛИК Бирор нарса, воқеа ёки ҳодисанинг моҳияти, мазмунини билиш, ундан хабардорлик. *Парво қилманг, тил билмоқлик ўзи талант.* А. Шер, Қадимги куй. *Бу сафар ҳам қабулига ким келганини билмоқлик учун эшикни зарб билан очди-ю, пешонасини ғурра қилди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Яшаган сайёрангни Билмоқлик фарз, дебдилар.* А. Орипов.

БИЛОНИҲОЯ [*а.* بلانهايه – ниҳоясиз, чексиз] Чегараси йўқ, ҳаддан ортиқ; ниҳоятсиз, чексиз. *Қиёмат кунининг сўнги бор ахир, Бўлмагай бу зулмат билониҳоя.* Ғ. Ғулом. *Кўнглинг ғам бўлса ҳам билониҳоя, Онажон, кўзингдан оқизма кўп ёш.* Уйғун, Тонг қўшиғи.

БИЛТАНГЛАМОҚ Ўзини у ёққа-бу ёққа ташлаб ҳаракат қилмоқ. *Марди тинимсиз билтанглаётган балиқни халтага солди.* «Ёшлик».

БИЛФЕЪЛ [*а.* بالفعل – ҳақиқатан, аслида] Ўзича, ўзбошимча; мустақил равишда, бевосита. *Маълумингиз, улардан Азизбек билан Юсуфбек Тошкентда билфеъл исён чиқариб ётадирлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БИЛЧ-БИЛЧ *тақл.с.* Лойни босганда чиқадиган товуш. *Билч-билч лой. Билч-билч лой кечмоқ.* ▬ *Йўллар, ажриқли сўқмоқлар, жўяклар билч-билч лойлигидан отларнинг думини тугиб қўйдик.* «Ёшлик».

БИЛЧИЛЛАМОҚ «Билч-билч» овоз чиқармоқ (суюқ лой, лой аралаш сув ёки қотиб улгурмаган қон ҳақида). *Шўрхок сув билчиллаб ётган тўқай ичидан югуриб борарканман, чап оёғим ерга муздек тегаётганини пайқадим.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Қўрбошилар йўлда калтаклаган бўлса керак, юзлари ёрилган, кўйлакларига оққан қон қотиб улгурмасдан, билчиллаб турибди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

БИЛЪАКС [*а.* بالعكس – аксинча] *рвш. кт.* Аксинча, акс ҳолда. *-Янглишасиз, ота. -Янглишмайман, билъакс, билиб.. сўзлайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аваз ғазал битиб, бутун нон емади. Билъакс калтакка тўйди.* С. Сиёев, Аваз.

БИЛЬЯРД [*фр.* billard < bill – шар, соққа] **1** Мовут қопланган махсус столда шар(соққа)ларни таёқ (кий) билан уриб, столнинг бурчаклари ва ёнидаги чуқурчалар (лузалар)га тушириш ўйини. *Шофёри билан бильярд ўйнаб, ҳовузда роҳат қилиб чўмилди.* «Ёшлик». *Сиртда рўй берадиган жараёнларни бильярд ўйинидаги шарларнинг ҳаракатига қиёслаш мумкин.* «Фан ва турмуш».

2 Бильярд ўйналадиган стол ва кийшарлари. *Бильярд столи. Бильярд шари (соққаси). Дам олиш уйида иккита катта бильярд бор.*

БИЛҚ-БИЛҚ *тасв. с.* Билқилдоқ нарсалар (мас., майин тупроқ, лой, бўтқа ва ш. к.) нинг ҳаракатидан чиқадиган товуш ёки уларнинг ҳолати. *Билқ-билқ лой. Шавла билқ-билқ қайнаяпти.* ▬ *Йўл жуда оғир. Ҳаво иссиқ, дим ва чанг. Билқ-билқ иссиқ тупроққа ботиб бормоқдамиз.* Ойбек, Болалик.

БИЛҚИЛДОҚ Кўпчиб, билқиллаб турадиган; оёқ ботадиган юмшоқ, майин. *Билқилдоқ лой. Билқилдоқ тупроқ.* ▬ *Шерзод билқилдоқ қум устидан кетаётиб, тик қирғоқдан шағал тошчаларнинг шитирлаб тўкилганини эшитиб қолди.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли.

БИЛҚИЛЛАМА *айн.* **билқилдоқ.** *Баъзан шундай.. жойларда билқиллама шўрхок ҳосил бўлади.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

БИЛҚИЛЛАМОҚ 1 Кўпчиб ёки қайнаб «билқ-билқ» товуш чиқармоқ. *-Ривоятда гап кўп, – деди Жамшид билқиллаб қайнаётган булоққа ўйчан тикилиб.* "Ёшлик". *Йўллардаги тизза бўйи тупроқ билқиллаб қайнайди, оёқ боссангиз, куйдиради.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Билқиллаб қайнаётган декчадан хушбўй ҳид димоғига гуп этиб урди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Бўлиқ, семиз, тўлишган ҳолатда бўлмоқ. *Етим-есир қилинг Ширвон элини, Бўлиб онглар билқиллаган молини.* «Юнус пари». *Ўзиям байталмисан байтал! Сағрилари билқиллайди.* «Ёшлик».

БИМЕТАЛЛ I [би.. + металл] *қ.* **биметаллар.**

БИМЕТАЛЛ II *сфт.* Икки хил металлдан иборат бўлган, ясалган (лента, сим, пўлат тахта, пластинка ва б.). *Бир-бирига парчинлаб қўйилган икки хил металл, масалан, темир ва жез пластинка биметалл пластинка деб аталади.* «Физика курси».

БИМЕТАЛЛАР Икки хил металлдан иборат бўлган сим, пластинка ва ш. к.

БИМЕТАЛЛИЗМ *ҳуқ.* Қиймат ўлчови вазифасини икки нодир металл – олтин ёки кумуш бажарадиган пул тизими ва шу икки металлдан ясалган тангаларнинг муомалада бўлиши.

БИН [*а.* بن , ابن – ўғил] *айн.* **ибн.** *Унинг бошқа томонларини қадимги табиблардан Юсуф бин Муҳаммад Юсуфий ҳам синаб кўрган.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

БИНАР [*лот.* binarius – икки; қўшалоқ]: **бинар сонлар** Иккита рақам (цифр) билан ёзиладиган, икки қисмли сонлар, мас., 10, 15 ва ҳоказо. **Бинар қотишмалар** Икки жинсдаги металл ёки қотишмаларнинг бирикишидан ҳосил бўлган қотишмалар.

БИНАФША, гунафша [*ф.* بنفشه – бир нав хушбўй гиёҳ] **1** *бот.* Бинафшадошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг баҳорда очиладиган тўқ сафсарранг хушбўй гули. *Яхшибоев димоғида бинафша ҳидини туйди, юраги орзиқди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Заъфарон зулфингга тақиб кетайин Олис чўлларимнинг бинафшасини.* А. Орипов.

2 *сфт.* Шу гул рангидаги, сафсарранг. *Тўрт бурчагида кўк, бинафша, шафтолиранг ипаклар билан гуллар тикилган.* Ойбек, Қуёш қораймас.

БИНАФШАГУЛ, гунафшагул *махс.* Кулолчилик, наққошлик ва каштадўзликда ишлатиладиган нақш тури. *Риштон ва Ғиждувон кулолчилигида бинафшагул ислимий гуллар орасига қалами услубида чизилиб, шу усулда бўялади.* «ЎзМЭ».

БИНАФШАЗОР Нуқул бинафшалар қалин ўсиб ётган майдон; бинафшалар экилган ер. *Навоий ўз бинафшазорида айланиб юрган вақтда Жомийнинг ўғли салом бериб кирди-да, қўлидаги китобни узатди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БИНО [*а.* بناء – қурилиш; иншоот; иморат] Кишиларнинг яшаши, ишлаши ва бошқа эҳтиёжлар учун қуриладиган иншоот, улкан уй, иморат. *Театр биноси. Турар жой бинолари. Шаҳримизда янги-янги кўркам бинолар қад кўтармоқда.* ▬ *Бинонинг ўнг томонидаги икки хонали уйда ўғли билан келини туради.* «Саодат». *Дангасага меҳнат ёқмас, ош ёқар, Ёмон одам тик бинони қулатар.* «Қўшиқлар».

Бино бўлмоқ 1) қурилмоқ, барпо бўлмоқ. *Бу қишлоқлар урушдан кейинги йилларда бино бўлган эди;* 2) юзага келмоқ; етилмоқ, туғилмоқ. *Бир йигит қирқ йилда бино бўлади.* Мақол. ▬ *Одам ўз табиатини ўзи бино қилади.* «Шарқ юлдузи». *Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан, Сендай ўғлон бино бўлмас энадан.* «Маликаи айёр». **Бино қилмоқ** Қурмоқ, барпо этмоқ. *Учинчи йил шифохона қаторида ёнида омборчаси билан махсус кооператив магазин бино қилади.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Канизак бу айтилган нарсаларнинг ҳаммасини ҳозир қилиб, иккови шу чўлда шаҳар бино қилишган экан.* «Луқмони Ҳаким». **Бино қўймоқ** 1) ортиқ даражада берилмоқ, эътиқод қилмоқ. *Ҳеч ким мендай сенга бино қўйган йўқ.* «Равшан». *Паловни ким ёмон кўради, лекин профессор Обидийчалик унга бино қўйиб, чиройли ошайдиган одам кам бўлса керак.* Мирмуҳсин, Умид; 2) зеб бермоқ, оро бермоқ. *Бино қўйиб, олтин сочин таради, Кўклам қизил гул ҳидини сочганда.* М. Алавия; 3) ўзига ортиқ даражада ишонмоқ, мағрурланмоқ. [*Хонзода Гулбаҳорга:*] *Сен нимангга бино қўясан!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ҳа, чиройингга бино қўйдингми, ўзбошимча?* К. Яшин, Ҳамза. **Умри бино бўлиб, дунё бино бўлиб** *ёки* **дунё бино бўлганидан бери** Дунёга келганидан, туғилганидан бери; узоқ муддат давомида. *Умрим бино бўлиб мен сендан бирон нима тама қилмаганман.* «Шарқ юлдузи». *Бунақа чиройли қизни умрим бино бўлиб кўрмаганман.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Умри бино бўлиб бундай даҳшатли манзарани кўрмаган.* «Ёшлик. **Ўзига бино қўймоқ** 1) ўзига оро, зеб бермоқ. *Ортиқ бино қўйдим ёр деб ўзимга.* Ҳамза. *Энди мўйлабим чиқиб, ойна олдида турганимни кўрган уйдагилар: -Ҳадеб ўзига бино қўйиш яхши эмас, – дейишарди.* Шукрулло, Сайланма. *Қирқин қизлар созланиб-нозланиб, ўзига бино қўйиб, қўлига хино қўйиб, боққа жўнади.* «Нурали»; 2) ўзига ишониб кетмоқ, мағрурланмоқ. *Гердайиб ўтириши, бошини кўтариб, шошмасдан гапириши [Ҳожибнинг] мағрур ва ўзига бино қўйган одам эканини кўрсатарди.* М. Осим, Ўтрор. *Жонибек ўзига бино қўйган бола.* «Шарқ юлдузи».

БИНОАН [*а.* بناء – ..га асосан, ..га кўра] *кўм. (ж. к. билан)* Нимагадир амал қилган, асосланган ҳолда; мувофиқ, кўра. *Ваъдангизга биноан. Юқоридаги сабабларга биноан. Шунга биноан.* ▬ *Қуллуқ, чақирганингизга биноан хизматингизга келдик, нима дейсиз.* «Луқмони Ҳаким». *Мазахўракларнинг буюртмасига биноан, официант устрицани ликопга солиб олиб келади.* «Саодат».

БИНОБАРИН [*ф.* بینابرین – шунга кўра, шунга қараб] *эрг. боғл.* Шунга кўра, шу сабабли, демак. [*Зебонинг*] *Назарида бу муҳаббат ҳеч кимникига ўхшамас, бинобарин, ҳеч ким уни тўла.. тасаввур этолмас эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бинобарин, атмосферани покиза тутмоқ учун барча давлатлар ҳамжиҳат иш олиб боришлари керак.* «Фан ва турмуш».

БИНОЙИ [*ф.* بینایی – кўриш; кўзи ўткирлик, сезгирлик] Туппа-тузук, дуппадуруст, яхшигина, созгина; кўрса, кўргудай. *Бинойи йигит. Бинойи иш.* ▬ *Қойилман, саркор, гапларингиз бинойи.* «Аския». *Юриш-туриши бинойи. Тинчгина юради.* «Ёшлик».

БИНОЙИДАЙ, -дек, -деккина *айн.* **бинойи.** *Қишлоқ қизи шаҳарга келин бўлиб тушса, бинойидай рўзғор тутиб кетади.* «Ёшлик». *Хотиним минг пардоз-андоз қилсаям, таппига ўхшайди. Лекин қиз пайтида уям бинойидек эди.* «Ёшлик». *Севаргул сал бурнини жийириб қўйди: ўзимиз бинойидеккина чақ-чақлашиб ўтирибмиз-ку, дугонажон.* «Ёшлик».

БИНОКЛЬ [*лот.* bini – икки + ocularus – кўз] Узоқни яқин қилиб кўрсатадиган қўш трубали дастаки оптик асбоб, дурбин. *Театр бинокли. Дала бинокли.* ▬ *У йўлда парашют тушган жойни бинокль билан кузатиб борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БИНОКОР [бино + *ф.* کار – қилувчи, қурувчи] **1** Бино, иморат қурувчи ишчи, уста. *Моҳир бинокор. Бинокорлар байрами. Бинокор уста.* ▬ *Чор атрофи бетон деворлар билан ўралган бу қурилиш майдонида бинокорларнинг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ.* Газетадан.

2 *кўчма* Бунёд этувчи; бунёдкор, ижодкор. *Мустақиллигимиз бинокорлари. Маданиятимиз бинокорлари.*

БИНОКОРЛИК 1 Бино қуриш билан шуғулланишлик; бинокор касби. *Бинокорлик – менинг ота касбим.* ▬ *Али тажанг жуда тўғри ўсган, йўғон ва баланд қарағайни суйиб қучоқлади. Бинокорликдан пича хабардор эди у.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Қурилиш иши; қурилиш соҳаси, қурилиш. *Мен бинокорликда ишлайман. Бинокорлик материаллари.* ▬ *Тепанинг талай ҳиссаси кўчанинг бу бетидаги янги биноларнинг хом ғишти, сувоғи каби бинокорлик эҳтиёжларига ишлатилиб, бир нимтаси олинган туядек кўринишга келиб қолган.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БИНОМ [би.. + *юн.* nomen – ном] *мат.* Икки алгебраик ифоданинг йиғиндиси ёки айирмаси; икки ҳад. *Ньютон биноми.*

БИНТ I [*нем.* Binge – боғич, боғ] Яраларни боғлашга мўлжалланган дока (бўз, фланель, лента ва б.). *..бинт тайёрлаш цехида Бувинисо Маннонова етакчилик қилаётган бригада аъзолари бошқаларга ўрнак бўлмоқда.* Газетадан. *Тескари амаки бинт билан чандилган қўлларимга қараб қўйиб, тағин пичинг қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БИНТ II [*а.* بنت – қиз] *эск.* Хотин-қизлар исмидан кейин «қизи» маъносини билдириб келадиган сўз. *Кумушбиби бинти Мирзакаримбойга.. Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлидан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БИНТЛАМОҚ Бинт билан ўраб боғламоқ, танғимоқ. *Ярани бинтламоқ.* ▬ *Сони бинтлаб ташланган, қон бинтнинг сиртига сизиб чиққан.* «Ёшлик». *Унинг оёғини бинтлаб (қўйилганди).. қушчанинг оёғи тез тузалди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

БИО- [*юн.* bios – ҳаёт] Байналмилал ясама (қўшма) сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзнинг ҳаётга, ҳаётий жараёнларга ҳамда биологияга алоқадорлигини билдиради.

БИОАКУСТИКА [био.. + акустика] Биологиянинг ҳайвонлар товушини ва уларнинг товуш орқали бир-бири билан алоқа боғлашини ўрганадиган бўлими. *Биоакустика катта амалий аҳамиятга эга.* «ЎзМЭ».

БИОБИБЛИОГРАФИЯ [био.. + библиография] Босма асарлар ҳақидаги маълумотлар уларнинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар билан қўшиб талқин қилинадиган библиография, шахсий библиография. *«Ўзбекистон олимлари. Биобиблиография». «Ўзбек тилшунослари. Биобиблиография».*

БИОГЕНЕЗ [био.. + *юн.* genesis – туғилиш, пайдо бўлиш] Тирик мавжудотлар Ерда анорганик материядан пайдо бўлганлигини инкор этувчи қараш, назария.

БИОГЕОГРАФИЯ [био.. + география] Биология фанининг тирик организмларнинг Ер юзида тарқалишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи соҳаси.

БИОГРАФИК Биографияга, таржимаи ҳолга оид. *Биографик роман. Биографик маълумот.*

БИОГРАФИЯ [био.. + *юн.* grapho – ёзаман] Бирор кишининг ҳаётий йўли ва унинг тавсифи, баёни. *айн.* **таржимаи ҳол** *қ.* **таржима**. *Ойбек биографияси.* ▬ *Элмурод биографиясини Борисов кутганидан ҳам қисқа қилганда, ҳамма ҳайрон бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бахтиёрлик ҳақида гапиришга барвақтроқ деб ўйлайман.. ҳали биографиям тугалланмаган.* А. Мухтор, Асарлар.

БИОИНДИКАТОРЛАР, биологик индикаторлар, кўрсаткичлар [био.. + *лот.* indico – кўрсатаман, аниқлайман] Миқдори ва ривожланиш хусусиятларининг ўзгариши орқали яшаш муҳитида содир бўлаётган табиий жараёнлар, шароит ёки антропоген ўзгаришлардан дарак берувчи тирик организмлар. *Табиий муҳитнинг ифлосланиши даражасини назорат қилиб бориш биоиндикаторлардан фойдаланишнинг энг муҳим томонларидан бири ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

БИОИҚЛИМШУНОСЛИК Иқлимнинг одам фаолияти ва соғлигига, ҳайвон-

лар ва ўсимликлар ривожига таъсирини ўрганувчи фан.

БИОКИМЁ, биологик кимё [био.. + кимё] Тирик организмларнинг кимёвий таркиби ва уларда содир бўладиган кимёвий жараёнлар ҳақидаги фан. *Биокимё физиология билан чамбарчас боғлиқ.* ▬ *Тиббиёт биокимёси ёки клиник биокимё касал организмдаги биокимёвий ўзгаришларни текширади.* «ЎзМЭ».

БИОКИМЁВИЙ Биокимёга оид, биокимё билан алоқадор. *Биокимёвий жараёнлар.*

БИОКЛИМАТОЛОГИЯ *айн.* **биоиқлимшунослик.**

БИОЛАБОРАТОРИЯ [био.. + лаборатория] Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ҳашаротлардан, касаллик, бегона ўтлардан биологик усулда ҳимоя қилишни амалга оширадиган ва назорат қилиб турадиган муассаса.

БИОЛОГ Биология фани, соҳаси мутахассиси. *Антарктидадаги пингвинлар этидан ҳам биологлар дуст моддасини топишди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БИОЛОГИК Тирик организмларнинг ҳаёти ва ўсишига, яъни биологияга оид. *Биологик жараёнлар. Биологик тадқиқотлар.* ▬ *Ичимликнинг биологик қиммати ундаги минерал модда, витамин, оқсил, фермент ва ҳоказолар миқдорига кўра белгиланади.* «Фан ва турмуш». *Онанинг фарзандига бўлган биологик, руҳий ва ижтимоий боғлиқлиги бу бетимсол қўшиқнинг таъсирчанлигини кучайтиради.* «Саодат».

БИОЛОГИЯ [био.. + *юн.* logos – сўз, таълимот] Тирик организмларнинг ҳаёти ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги таълимот, фан. *Ўсимликлар биологияси. Биология кабинети. Биология дарси. Биология ўқитувчиси.*

БИОЛОКАЦИЯ [био.. + *лот.* locus – жой] Ҳайвонларнинг кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва б. сезги аъзолари ёрдамида бирор объект ўзига нисбатан қандай ҳолатда турганлигини, жойлашганини аниқ била олиш қобилияти.

БИОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ [био.. + *лот.* lumen, luminis – нур, ёруғлик + escent – кучсиз, суст]. Тирик организмларнинг ўз ҳаёт фаолияти жараёнида кучсиз, кўзга кўринарли нур чиқариш, йилтираш хусусияти.

БИОМАЙДОН Биологик таъсир ўтказиш доираси, майдони. *Ҳаммаси бекор гап. Биомайдон, экстрасенс деган гапларга ишонмайман.* «Ёшлик».

БИОНИКА [*юн.* bion – ҳаёт элементи; яшовчи] Тирик организмларнинг тузилиши ва ҳаётий фаолиятини таҳлил қилиш тажрибалари асосида техника муаммоларини ечадиган фан.

БИООПТИКА [био.. + оптика] Биологиянинг нур ҳосил бўлиши ва тарқалиши, унинг турли моддалар билан ўзаро таъсирини текширадиган бўлими.

БИОПОЛИМЕР(ЛАР) [био.. + полимер] Барча тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган юқори молекулали табиий бирикмалар.

БИОСИНТЕЗ [био.. + синтез] Тирик организмларда ёки улардан ташқарида ферментлар таъсири билан бирмунча оддий бирикмалардан органик моддалар ҳосил бўлиши ва уларда модда алмашинуви жараёни.

БИОСФЕРА [био.. + *юн.* sphaira – шар] Ернинг ҳаётга макон бўлган, тирик организмлар тарқалган жойи, қисми. *Инсон фаолияти Ер юзини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган ҳозирги даврда биосферанинг ривожланиши янги поғонага кўтарилди.* «ЎзМЭ».

БИОТЕЛЕМЕТРИЯ [био.. + *юн.* tele – узоқда + metreo – ўлчайман] Биологик ҳодисаларни ўрганиш ва биологик кўрсаткичларни (ҳарорат, қон босими, юрак уриши, нафас олиш ва ҳ. к. ни) узоқдан туриб ўлчаш, текшириш усуллари мажмуи.

БИОТЕХНОЛОГИЯ [био.. + технология] Қишлоқ хўжалиги, саноат ва тиббиётнинг турли соҳаларида тирик организм ва биологик жараёнлардан фойдаланадиган саноат усуллари мажмуи. *Ёш биотехнология соҳасининг илдизи қадимги замонларга бориб тақалади.* «Фан ва турмуш».

БИОТИП [био.. + *юн.* typos – қиёфа, нусха] Ташқи кўринишидан бир-бирига ўхшаса ҳам, айрим яшаш хусусиятлари билан фарқ қиладиган биологик турлар.

БИОФИЗИК *от* Биофизика олими, мутахассиси.

БИОФИЗИ́К *сфт.* Биофизикага оид. *Биофизик тадқиқотлар.*

БИОФИЗИКА, биологик физика. [био.. + *юн.* physike – табиат] Тирик организмларга

хос физикавий хоссаларни, биологик ҳодисалардаги физикавий қонуниятларни, тўқима ва аъзолар фаолиятидаги физикавий жараёнлар ва шунга ўхшаш хусусиятларни ўрганувчи фан.

БИОХИМИК *от* Биокимё олими, мутахассиси.

БИОХИМИК *қ.* **биокимёвий.** *Биохимик тадқиқотлар.* ▬ *Биохимик жиҳатдан инсон организми жуда мукаммал ва мураккаб тузилган.* Газетадан.

БИОХИМИЯ *қ.* **биокимё**. *Медицина биохимияси ёки клиник биохимия касал организмдаги биохимиявий ўзгаришларни биохимиявий усуллар билан текширади.* «ЎзМЭ».

БИОҚУВВАТ Таъсир этиш кучига эга бўлган биологик энергия. *Ахир 10 йилликлар давомида табобатимиз биоқувват усулида даволашдан юз ўгириб келди.* Газетадан.

БИОФИЛЬТР [био.. + фильтр] Оқова сувларни биологик йўл билан тозалайдиган иншоот. *Атроф муҳит экологиясини.. яхшилашда биофильтрнинг аҳамияти катта.* «ЎзМЭ».

БИПАТРИД [би.. + *юн.* patris – ватан] *ҳуқ.* Айни бир пайтда икки ёки бир неча давлат фуқароси бўлган шахс.

БИПЛАН [би.. + план] *тех.* Иккита устма-уст жойлашган қанотга эга бўлган самолёт.

БИР *снк. сон* **1** 1 рақами ва шу рақам билан ифодаланган энг кичик сон, миқдор. *Бир кам қирқ. Ўндан бир. Биру бир – икки. Яхши отга – бир қамчи, ёмон отга – минг қамчи.* Мақол. ▬ *Етти қиз бир онанинг боласидай аҳил туришарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

Бир пул *қ.* **пул.** *Мана энди арзимаган кўнгилочар ов деб экспедициянинг бир ойлик тоат-ибодати бир пул бўлди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Ҳисоб, миқдор, ўлчам, чама маъноларини англатувчи сўзлар билан келиб, предметларнинг миқдори, ўлчамини англатади. *Бир жуфт. Бир метр. Бир ҳафта. Бир таноб. Бир йил. Бир минут. Бир ўрам. Бир тўда. Бир соат. Бир аср. Бир бурда. Бир даста.* ▬ *Бир ойдан бери тутолмаймиз.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бир зум иккиланиб турди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Қорабой бир ҳафта ишга чиқмади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Унга бир даста гул узатиб, ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бир ҳафта деганда кўзини очди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Тиниқ осмонда бир жуфт лайлак беозор сузади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Одам дунёга бир марта келади.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 Баъзи отлардан олдин келиб, ноаниқлик тушунчасини ифодалайди ва «қандайдир», «аллақандай», «аллақайси» каби маъноларни билдириб келади. *Сизни бир одам сўраб келган эди.* ▬ *Унинг кўкрагини бир нима чуқур эзди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу чоғ бир хотин бир бўлак нон олиб кирди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар. *Ҳидоятхонни бир нарса чаққан экан, шошилиб келдилар-да, эшикни берклаб олдилар.* Ҳамза. *Маҳваш ўшанда ўртоқлари билан бир тўйга борганди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Йўқ, ҳовлиқмангиз, бунда фойдали бир сир бор!* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *..ўқ теккан оёғини бир хотин оқ дока билан боғламоқда эди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

Бир кун 1) қуёш чиққандан қуёш ботгунча (12 соат) ёки қуёш чиққандан эртаси қуёш чиққунча (24 соат) бўлган вақт. *Уйни озода қилишга роса бир кун кетди. Бир кун бир йилни боқади.* Мақол; 2) кунларнинг бирида, аллақайси куни. *Бир кун(и) биз боққа чиққан эдик.* ▬ *Бир кун аҳволини билай, деб уйига телефон қилдим.* Шукрулло, Сайланма. *Бир куни Арслон хотини ишдан қайтгунча ўтин ёриб қўймоқчи бўлди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. **Кунлардан бир кун** Ўтган кунларнинг бирида. *Кунлардан бир кун кўпни кўрган, жаҳон кезган оғайниларимдан бири уйимга келиб қолди.* Шукрулло, Сайланма.

4 Феъллар олдидан келиб, феълдан англашилувчи иш-ҳаракатнинг бир марта бажарилиши ёки юз беришини ифодалайди. *Одам дунёга бир келади. Етти ўлчаб, бир кес.* Мақол. *Бир синалган ёмонни қайта-қайта синама.* Мақол. ▬ *Унга маҳлиё бўлиб тикилиб турган хотиннинг киприклари бир силкинди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. -*Биз энди сени турли-турли балоларга соламиз, буни бир бил! – деб мушт дўлайдилар.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Тўмтоқ қошлари, чақнаган кўзлари бир кўрганни довдиратиб қўярди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

5 Белги-хусусият ифодаловчи сўзлар олдидан келиб, ўша сўз маъносининг кучайишига хизмат қилади. *Ўғли бир яхши йигит экан, бир келишган, чиройлики..* ▬ *Боя*

Маҳваш бир ажойиб гап айтди. Т. Ашуров, Оқ от. *Шаҳноза деган бир қақажон қиз газетани юлиб олиб ўқиди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

6 Ажратиш, таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. *Ҳамма рози бўлди, бир мен рози бўлмадим. Бу ишни бир ўзи бажарди. Уйда бир ўзим қолдим. Камтарлик ҳам бир хислат.* Мақол. ▬ *Бу бир ибрат.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Вали ака ўғлига бир отагина бўлиб қолмай, унинг энг яқин ҳамдарди ҳам эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шуни бир билиб қўйгинки, Хонзода тирик экан, сенларга кун йўқ.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

7 Кесим вазифасида келганда, бирдамлик, умумийлик ёки бир хиллик, ўхшашлик маъноларини ифодалайди. *Уларнинг ҳаммаси бир. Бизнинг ёшимиз бир. Бизнинг сўзимиз билан ишимиз бир. Кемага тушганнинг жони бир.* Мақол.

Бари бир *қ.* **бари.** *Бари бир ётиб ётолмади, ўтириб ўтиролмади.* С. Аҳмад, Юлдуз. *-Бари бир етишмайди, — дейди Мулла Обид.* **Бир бўлмоқ** 1) бирлашмоқ, бир жон, бир тан бўлмоқ. *Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз енгилар.* Мақол; 2) бир хил бўлмоқ; ўзаро мувофиқ, мос бўлмоқ. *Одамнинг дили билан тили бир бўлсин.* Мақол. **Бир қилмоқ** Бирлаштирмоқ. **Гапни бир қилмоқ** 1) бир марта гапирмоқ, бир гапириб, масалани узил-кесил ҳал қилмоқ; 2) гапни бир ерга қўймоқ, келишмоқ, битишмоқ.

8 Баъзи отлар билан қўлланганда, «шундай», «шунақа» сўзларига тенг келиб, бўрттириш маъносини англатади. *Бир иморат қурайки, барчанинг оғзи очилиб қолсин. Бир ўйнаб берайки, ҳамма қойил қолсин.* ▬ *Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди.* Ҳ. Олимжон, Ўлка.

9 Қўшма сўзлар таркибида келиб, турли хил маъноларни ифодалайди: мас., *бир вақт, бир маҳал, бир мунча, бир оз, бир қанча, баъзи бир, ҳар бир, ҳеч бир, бир асосли, бир жинсли.* ▬ *Абдужалил бойникидаги зиёфатни Мулла Обид бир мунча таажжуб ичида ўтказди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бир оздан кейин у кийиниб олиб, йўлга отланди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

10 Айирувчи боғловчи вазифасида келиб, гапнинг уюшган бўлакларини ёки қўшма гап қисмларини боғлашга хизмат қилади. *Бир ундай бўлади, бир мундай бўлади. Бир каттанинг гапига кир, бир — кичикнинг.* Мақол. ▬ *Умри бир оқарди, бир қизарди-ю, мени қучоқлаб йиғлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Бу гапга чиндан ишонган Нилуфар таажжубланиб, бир акасига, бир мушукка қаради.* С. Аҳмад, Юлдуз.

Бир бор экан, бир йўқ экан Ўзбек халқ эртакларининг бошланиш ибораси. **Бир бўлса** *крш с.* Эҳтимол; ажаб эмас. *Ҳожия, бир бўлса, докторга кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Бири икки бўлмайди** Рўзғорига, топган-тутганига барака кирмайди, муҳтожликдан чиқмайди. *Қудратли қанотингиз остида бирим икки бўлишини умид қилиб келдим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Бирини олиб, бирига урадиган** *салб.* Иккаласи бир хил, бир-биридан яхши эмас, бир-биридан қолишмайди. **Бирини иккига олмоқ** Икки баравар қимматга олмоқ. **Бир кун эмас бир кун** *айн.* **бирда эмас, бирда** *қ.* **бирда. Бир сўзни икки қилмоқ** Кимсанинг сўзини, гапини ерда қолдирмоқ, бир айтгандаёқ бажармай, такрор айтишга мажбур қилмоқ. *Ўринбой бир сўзни икки қилмай, хаёл суриб чиқиб кетди, раис унинг ортидан илжайиб қолди.* Ойдин, Ўзи монанд.

БИРАКАЙ 1 *сфт.* Биттагина бўлса ҳам жуда яхши, зўр; кўпнинг ўрнини босадиган; арзирли. *Ҳа, отахон, қирқи кетиб, бири қолган, лекин биракайи қолган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *рвш.* Бир йўла; бирданига, бараварига. *Эрта-индин саф-саф темир туёқлар Далаларга биракай ҳаммаси чиқур.* Миртемир, Асарлар. *Ҳар ёққа таралсин танбурим товуши, Биракай тўхталсин кўзларнинг ёши.* Миртемир, Асарлар.

БИРАКАЙИГА *рвш.* Ҳеч қолдирмасдан, бир сидра, бир йўла. *..асфальтни биракайига шипиллатиб супуриб ўтган муздек ел энди Умматалининг этини жунжитди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *..охирида икки оғиз гапирадилар-у, биракайига гапирадилар.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БИРАМ [*асли* бир + ҳам] *с.т.* Ортиқ даражада, юқори даражада, жуда ҳам. *Ери кучли экан, бирам экин бўлдики, ҳавасингиз келади.* Ойдин, Мардлик-мангулик. *Бирам кулги бўлди, Сатторқул бирам уялди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бирам хуш ёқдики, севинчидан кўзлари чақнаб қўяверди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Жарликда ҳар хил сомсабоп ўтлар бирам кўп эдики..* Р. Раҳмон, Меҳр.

БИРАТЎЛА(СИ) *рвш.* **1** Узил-кесил ҳолда, бутун борича, ҳеч қолдирмай; бутунлай, тамомила, батамом. *Искандар қолган режаларини ҳам биратўла айтиб қўя қолди.* «Ёшлик». *Ёмғир ҳамон челаклаб қуяр.. гўё табиат бутун оламнинг ғуборларини биратўла ювиб ташламоқчидек, ҳеч жаҳлидан тушмас.* М. Мансуров, Ёмби. *Хўрозча биратўла кўзларини юмиб олгандан кейин, Ёдгор ердан жўхориларни йиғиб, дўпписига солди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Бирваракайига, бирдан, бир йўла. *-Аввал қиладиган ишларимни қилиб олай, кейин биратўла ювиниб, овқат ейман, — деди Тўла онасига.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Салом кўнгилдагини биратўла тўкиб солди.* Ҳожи Аҳмар, Ким ҳақ? *Ғуломжон кўча эшикни биратўла тамбалаб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БИР-БИР 1 Тартиби, навбати, гали билан, бирма-бир. *Кумуш бошқалар билан бир-бир кўришиб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Рисолат «гапирайми, йўқми» дегандай, ҳаммага бир-бир назар ташлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Қани, айтингчи бир-бир, ўсган жойингиз отин. Билармисиз, болалар, ўлкангизнинг ҳаётин?* А. Орипов.

2 *айн.* **битта-битта 3.** *Жононга бордим бу кеча, Бир-бир босиб астагина.* «Қўшиқлар». *Бир-бир босиб, илгари елди, Сой бўйига яқинлаб келди.* Ҳ. Олимжон.

БИР-БИРИ: бир-бири билан Бири бири билан, бири иккинчиси билан, ўзаро. *Бир-бири билан телефон орқали сўзлашмоқ. Бир-бири билан кўришмоқ.* ▬ *Улар бир-бирлари билан ўчакишгандай, хурракни даража-бадаража оширишга тиришади.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бир-бири билан шивирлашиб, институтдан ҳайдатиш ҳақидаги гапларни тарқатгандай бўлишарди.* Мирмуҳсин, Умид. **Бир-бирига** 1) бири иккинчисига. *Ҳамма ҳайрон бўлиб, бир-бирига қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Яна кулги бир-бирига илашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дарҳақиқат, бир-бирига ўхшамаган нонлар тарашадек қотиб қолган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) бири бирига нисбатан, бири бири билан, ўзаро. *Бир-бирига зид тушунчалар.* ▬ *Ҳовузнинг нариги четига бир-бирига яқин ўтказилган.. уч туп олма дарахти.* Ойбек, Танланган асарлар. *Лутфиниса оппоқ, юрса сўлқиллайдиган, икки қошининг учи бир-бирига туташ, бўйи сал пастроқ тўлагина қиз.* С. Аҳмад, Уфқ; 3) (*т.к. билан*) бирини иккинчисига, бирини иккинчиси билан. *Қўлларни бир-бирига ишқаламоқ.* ▬ *У [Йўлчи] жўрттага, лоқайдлик билан икки қолипни бир-бирига уриб сўради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Махдум мулла Абдураҳмон билан Анварни бир-бирларига таништирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бир-биридан** (*ч.к. билан)* 1) бири иккинчисидан. *Бир-биридан ўрнак олмоқ.* ▬ *Одамлар тўпланишиб, бир-бирларидан сўрашади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чодирларнинг ранги бир-биридан фарқ қилади.* «Фан ва турмуш»; 2) бири бирига нисбатан. *Бир-биридан чиройли. Бир-биридан ширин. Бир-биридан узоқ жойлар;* 3) бирини биридан, бирини иккинчисидан. *Боғчаларни бир-биридан айирган деворлар.* ▬ *Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомид экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир-бирини** Бири бирини, бири иккинчисини, ўзаро. *Бир-бирини севмоқ.* ▬ *Хотинлар бир-бирларини сийлаб, бир-бирларига йўл кўрсатиб.. меҳмон опа кетидан уйга бирин-кетин киришди.* **Бир-бири учун** Бири иккинчиси учун, иккинчиси биринчиси учун. *Агар одамлар.. бир-бири учун меҳнат қилса, ер юзининг ўзи жаннат бўлади.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

БИР-БИРОВИГА *айн.* **бир-бирига** *қ.* **бир-бири.** *Ҳол-аҳволларини бир-бировларига айтишган.* «Маликаи айёр».

БИР-БИРОВИДАН *айн.* **бир-биридан** *қ.* **бир-бири.** *Эр ва хотин икки ўртоқ, тўла ҳуқуқли, Бир-бировдан на устиндир, на остин.* Ғ. Ғулом.

БИР-БИРОВИНИ *айн.* **бир-бирини** *қ.* **бир-бири.** *Негаки бир-бировларини ўлдиришиб, бизга зарар бермасдан, қуруққина кетмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БИРВАРАКАЙ(ИГА) *рвш.* **1** Бир галдаёқ, ҳаммасини бир қилиб, биратўласи. *Кумуш ўн беш кунлардан бери йиғилиб келган аччиғини бирваракай тўкиб солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [Ўлмас] ҳозир Мирҳожибойни қўлга туширса, ҳамма ёмонликлари учун бирваракайига қасос олишга тайёр эди.* Ё. Шукуров, Қасос.

2 Бирдан, бараварига. *Ҳаммаси бирваракайига «йўқ» деган маънода бош чайқашди.*

«Ёшлик». *Қатор тўплар бирваракайига қаттиқ гумбурлади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бирваракай ёққан ёмғир ҳаммасини шошириб юборди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

БИРВАРАКАСИГА *с.т.* Бирваракай(ига).

БИРГА *рвш.* **1** Бир бўлиб, қўшилиб, биргаликда, ҳамкорликда. *Бирга ишламоқ. Бирга ўқимоқ. Бирга ўсган ўртоқлар.* ▬ *Нишонбой бирга ишлайдиган йигитлар билан чорпояда ўтирарди.* Т. Ашуров, Оқ от. *У билан бирга кечган ширин дамларни, дилрабо суҳбатларни эслайди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Қани, ўзинглар ҳам ўтиринглар, бирга ичамиз.* С. Зуннунова, Олов. *Келажак бахт йўлимни сиз билан бирга босмоқни орзу қиламан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меъмор барвақт туриб, уч шогирди билан бирга ташқари ҳовлида нонушта қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бир вақтда, баравар. *Ўғлим эрталаб мен билан бирга туради.* ▬ *Содиқжон Юлдузхон билан ёшликда бирга ўсган, бир мактабда ўқиган.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 *Билан* кўмакчисидан кейин келиб, «қаторида, бир қаторда; шунингдек» маъноларини англатади. *Бизнинг вазифамиз илмни халқ тажрибаси билан бойитиш ва шу билан бирга халқ тажрибасини илмнинг элагидан ўтказишдир.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Янги мактаблар очиб.. диний дарслар билан бирга жуғрофия, тарих, ҳисоб каби илмларни ҳам таълим берайлик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Менда бир таклиф бор: бугун Канизакни янги уй билан бирга янги ном билан ҳам мукофотласак — отини Ҳанифа қўйсак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Кимса ёки нарса билан бирликда; унинг ёнида, бағрида. *Масалаларни бирга муҳокама қилмоқ. Хат билан совғани бирга юбормоқ.* ▬ *Домла.. болалардан иккитасини бирга олиб юра бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эри, бахти, ҳусни, шўхлиги яна у билан бирга.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эри? Эри борми? — Бор. Шу ерда. Беш ойдан бери бирга!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Тўйда бирга бўлинг Тўйга таклиф этиш шакли. *[Ёрмат] Баъзи бир «таъби тортган» одамларга «тўйда бирга бўлинг» деб қўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БИРГАЛАШМОҚ Бирга бўлмоқ, бирга қўшилмоқ, қўшилишмоқ; биргаликда, бир бўлиб уюшмоқ. *Биргалашиб овқатланмоқ.* ▬ *Дарвоқе, хатни биргалашиб ёзамиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Мансурни кўриши биланоқ Гавҳар ҳеч қаёққа бормай, унинг ёнида қолгиси, мана шу ёмғир ҳавосида биргалашиб кўча кезгиси келиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Отабек билан Қутидорнинг йўллари бир бўлганликдан, биргалашиб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Келин билан биргалашиб келди давлат, ёр-ёр, келди давлат.* «Қўшиқлар».

БИРГАЛИК Бирлик, ҳамжиҳатлик, иттифоқлик. *Биргаликни мустаҳкамламоқ.*

Биргалик нисбат *тлш.* Иш-ҳаракатнинг бир неча шахс ёки нарса томонидан бирга, ҳамжиҳат ёки ўзаро бажарилишини ифодалайдиган феъл шакли. *Феълнинг биргалик нисбати.* **Биргалик эргаш гаплар** *тлш.* Тўғридан-тўғри бош гапга боғланиб келган эргаш гаплар.

БИРГАЛИКДА *рвш.* **1** Жам бўлиб, бир бўлиб, қўшилиб. *Иккинчи қайиқ ҳам соҳилга етиб келиб, Саидусмон жангчилари билан биргаликда олдинга кетишди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Бирга, биргалашиб, уюшиб; бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро келишиб. *Биргаликда курашмоқ.* ▬ *Биргаликда ўтган шовқин-суронли болалик, қувноқ ёшлик тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БИРГИНА *юкл. взф.* Фақатгина, ёлғиз, танҳо. *Қишин-ёзин биргина иштонда юргани учун уни ҳамма Яланғоч Полвон деб атарди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Биргина Азизхон унга лоқайд қаради.* С. Аҳмад, Уфқ. *У биргина илмнинг эмас, балки санъатнинг ҳам ҳомийси эди.* К. Яшин, Ҳамза.

БИРДА *рвш.* Қайсиям бир куни, бир пайтда, тунов куни. *У Зебихонга кўзи тушиши билан орқасига қараб қичқирди: -Буви, ҳу бирда келган аям келди!* С. Зуннунова, Олов. *Ҳўв бирдаги байтингиз жонимни ўртади.* С. Сиёев, Аваз.

Бирда эмас, бирда *ёки* **бирда бўлмаса, бирда** Бир кун эмас, бир кун; қачондир бир кун. *Тўрахоновга ўхшаш кишилар бирда бўлмаса бирда, бари бир, тумшуқларидан илинадилар.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

БИРДАЙ, -дек 1 *сфт.* Ҳар жиҳатдан тенг, айнан бир хил. *Менга ҳамма бирдай. Ҳаммага бирдай қарамоқ. Ой билан кундай бўл, Ҳаммага бирдай бўл.* Мақол. ▬ *Сатта бирдай ботирлар, Йўл юрди тун ҳам кундуз.* «Юсуф ва Аҳмад». *Баринг бирдай хизмат қилгин, канизлар.* «Маликаи айёр».

2 Бир текисда, бир ўлчовда, бир маромда, текис. *Ҳамма кўчатлар бирдай ўсмоқда. От бирдай йўртиб бормоқда.* ▬ *Йиллар бирин-кетин шундай ўтаверади, турмушимиз бирдай ширин..* М. Жўра, Изтироб. *Қийғир қушлар бирдай учар қиёда, лочин қушлар баҳра олар уёда.* «Нурали».

3 Вақт жиҳатдан узлуксиз; ҳамиша, ҳамма вақт, доимо. *Бирдай вақтим йўқ, дейди.* ▬ *Гул ҳамиша чаман бўлиб турмаганидай, инсон ҳам ҳаётининг ҳамма дамларида бирдай бахтиёр бўлиши қийин.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

4 Бир хил ҳолатда, бир зайлда, ўзгаришсиз. *Беморнинг аҳволи бирдай. Отинойи бирдай такрорлайди: -Чаққон-чаққон, тез-тез бўла қол!* П. Турсун, Ўқитувчи.

БИРДАМ Ҳамжиҳат, якдил, ҳамнафас; мақсади, маслаги бир. *Бирдам бўлмоқ.*

БИРДАМЛИК Ҳамжиҳатлик, якдиллик, ҳамнафаслик. *Бутун рўйи заминга ядро фалокати соя ташлаб турган айни пайтда халқаро бирдамлик тантанаси улкан аҳамиятга эгадир.* Газетадан. *Мустақил Ўзбекистон халқлари бирдамлиги — улуғ, қудратли куч.* Газетадан.

БИРДАН *рвш.* **1** Кутилмаган, хаёлга келмаган вақтда; тўсатдан, қўққисдан. *Бармоқ сараклатиб, сўзга оғиз жуфтлаши билан, бирдан йўтали тутди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Мамлакат Санжарга қараб туриб, бирдан меҳри товланиб кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Бу унинг қалбида бирдан уйғониб кетган оталик туйғуси эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Айни бир вақтда, баравар. *Иккиси [Офтоб ойим ва Кумуш] ҳам сачраб, Кутидорга қарадилар-да, бирдан сўрадилар: -Нима, қандай сир?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳали машинанинг қораси кўздан ўчмасдан, бирдан икки самолёт пастланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Бир йўла, бирваракайига. *-Ҳа, ҳаммасини.. бирдан олма, — секин гапирди Эшвой, — бир бўлагини ол.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Бобур] чорбоғ четидаги ялангликдан бўз отни чоптириб чиқди-ю, бирдан жиловини қўйиб юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Дарров, тезда. *Фозилжоннинг юзидаги илжайиш бирдан ғазабга айланди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Бирдан ош ва ошни қатиқлаш баҳси ҳамманинг эсидан чиқди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Кўзлари бирдан жиққа ёшга тўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БИРДАН-БИР Фақат битта; ягона, ёлғиз, биттагина. *Бирдан-бир чора. Бирдан-бир сабаб.* ▬ *..унинг суянгани — эри, бирдан-бир орзуси — анор эди, бирданига ҳар иккиси ҳам йўққа чиқди.* А. Қаҳҳор. *Учламчи даврдан ўтиб келаётган бу дарахт табиатда ноёб бирдан-бир мажнун арча нусхасидир.* Газетадан.

БИРДАНИГА *рвш. айн.* **бирдан.** *Бирданига кўз олдида яшин чақнагандай бўлди.* «Шарқ юлдузи». *Темиржон бирданига маъюс тортиб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Безовта шамол бирданига кучайиб, қора булут пардасини суриб келди.* М. Қориев, Қиз узатиб борганда.

БИРЁН [*ф.* بريان — қовурилган, пиширилган] Тоза куйган, ғам-аламга ботган; ғам-ғуссали. *Унинг ҳамдарди ва ҳамсуҳбатлари ҳам ўзи каби бағри бирён кишилар эди.* «ЎТА». *Дилим бирён, кўзим гирён..* «Маликаи айёр». *Эртак эмас, бувинг айтган орзу эди, Бувинг бирён бўлиб ютган оғу эди.* Т. Тўла, Асарлар.

БИРЁҚЛАМАЛИК Нохолислик, нообъективлик, бир томонга тортишлик, субъектив ёндашишлик. *Маълумки, илгари колхоз раҳбарларини сайлаб қўйишда кўпинча бирёқламалик, расмиятчиликлар содир бўлиб турарди.* «Муштум».

БИР ЁҚЛИ: бир ёқли қилмоқ Ё нари, ё бери қилмоқ, тугатмоқ; ўлдирмоқ. *Улар етиб келмай туриб, буни бир ёқли қилмоқ керак.* «Ёшлик». *Ваҳолонки, Қодирбек билан гапни бир ёқли қилиб олиш ҳам керак.* «Шарқ юлдузи». *Ёшуллини бир ёқли қилсак, кейин навбат Тўпарига.* М.М.Дўст, Лолазор.

БИРЖА [*юн.* byrsa — ҳамён, халта] Қимматбаҳо қоғозлар ва ҳар хил моллар билан савдо-сотиқ қиладиган йирик савдо муассасаси; бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли. *Бугун.. меҳмонлар Нью-Йорк биржасини бориб кўрадилар.* Газетадан.

Меҳнат биржаси Ишга ёллаш ва ёлланишда ишчи ва иш берувчи ўртасида воситачилик қилувчи муассаса. **Товар биржаси** Ҳар хил оммавий товарлар (дон, пахта) билан савдо-сотиқ қиладиган биржа. **Фонд биржаси** Қимматбаҳо қоғозлар билан олди-сотди муомаласини олиб борадиган биржа.

—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

БИРЖАЧИ Биржа ҳаракат (операция)лари билан шуғулланувчи шахс, биржа корчалони.

БИРИКИШ 1 Икки ёки ундан ортиқ нарсанинг ўзаро қўшилиб, бир бутун ҳолга келиши.

2 *ким.* Икки ёки бир неча модданинг атомларидан ёки молекулаларидан янги бир модданинг ҳосил бўлиши. *Бирикиш реакцияси.*

БИРИКМА 1 *ким.* Молекуласи бир неча элемент атомларидан таркиб топган модда. *Кимё фанининг ҳозирги даврдаги асосий вазифаси халқ учун муҳим хоссали бирикмалар олишдан иборат.* «Фан ва турмуш». *..органик бирикма сифатида барча тирик организмларда бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 *тлш.* Маълум грамматик қонуниятлар асосида ўзаро боғланган икки ёки бир неча сўз. *Сўз бирикмаси. Барқарор бирикмалар. Фразеологик бирикма.* ▬ *Тугал бир фикр билдирадиган сўз ё сўз бирикмаси гап дейилади.* «Ўзбек тили грамматикаси». *Баъзан сифатлар икки ёки бир неча сўздан, яъни сўз бирикмасидан иборат бўлади.* «Ўзбек тили дарслиги».

БИРИКМОҚ 1 Қўшилиб, бир бутунлик ҳосил қилмоқ, бирга қўшилмоқ. *Бел билан билак бирикса, иш битар.* Мақол. ▬ *Жувозхона ичидан тезак, шиптир, мой ва кунжара ҳидларидан бириккан аллақандай қўланса ҳид Йўлчининг димоғига дарров урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир-бирига уланмоқ, туташмоқ. *Деталларнинг бириккан жойлари.* ▬ *Космик аппаратларнинг бир-бирини қидириб топиши, яқинлашиши, бирикиши ва туташиши борт автоматикаси ёрдамида бажарилди.* Газетадан.

3 Бир маслак, мақсад йўлида бирлашмоқ, уюшмоқ; бир жон, бир тан бўлмоқ. *Бириккан енгар.* Мақол. *Бириккан куч – куч, Бирикмаган куч – пуч.* Мақол. *Кўпчилик бирикса, тоғни қулатар.* Мақол.

4 *ким.* Бирикиш реакциясига киришмоқ. *Водород билан кислород бирикиб, сув ҳосил қилади.* ▬ *Чақмоқ пайтида ҳаво таркибида азот билан кислород бирикиб, нитрат ҳосил қилади.* «Фан ва турмуш».

БИРИКТИРМОҚ 1 Бирикмоқ фл. орт. н. *Деталларни бириктирмоқ. Моддаларни бириктирмоқ.* ▬ *Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириктириб, гап тузамиз ва фикримизни баён қиламиз.* «Ўзбек тили дарслиги». *Тирик қолган жангчиларни дарҳол ҳар иккала тўп расчётига бириктириб, тўпларни жанговар ҳолатга келтирди.* Газетадан.

2 Ихтиёрига бериб қўймоқ, топширмоқ. *Деҳқон-фермерлар фойдаланиб турган ерлар уларга доимий бириктириб қўйилади.* ▬ *Янгидан ташкил қилинган боғлар тажрибали боғбонларга бириктириб қўйилмоқда.* Газетадан.

3 Йўл-йўриқ кўрсатиш, ёрдам бериш ёки қараб туриш учун боғлаб, қўшиб қўймоқ. *Бирмунча тажрибали ёзувчилар консультация ишига бириктириб қўйилди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳар бир ўқув кабинети ва устахонага комбинат бўлимларининг раҳбарлари бириктириб қўйилган.* Газетадан.

Бошини бириктирмоқ *қ.* **бош. Тил бириктирмоқ** *қ.* **тил.** *Барно билан тил бириктириб қўйганига қарамай, совчилар қайтгунча, оёғи куйган товуқдай питирлаб қолди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

БИРИКТИРУВЧИ 1 Бириктириш ишини амалга оширувчи шахс.

2 Икки нарсани ўзаро боғловчи.

Бириктирувчи боғловчи *тлш.* Тенг боғланган гапларни ёки уюшиқ бўлакларни бир-бирига боғловчи ёрдамчи сўзлар (мас. *ва, ҳам, билан).* **Бириктирувчи тўқима** *биол.* Организм қисмларини бириктирувчи, тутиб турувчи ва озиқлантирувчи тўқима.

БИРИН-БИРИН *рвш.* **1** Бирининг кетидан бири, бирин-кетин, кетма-кет. *Меҳмонлар бирин-бирин тарқалишди.* ▬ *Беклар ҳам созланиб, бирин-бирин салом бериб кела берди.* «Нурали». *Ғўза ичида юрувчилар бирин-бирин уват орқали йўлга чиқа бошладилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Тартиби, гали билан, бирма-бир. [*Отабек*] *Ҳасаналига ўтган гапларни бирин-бирин айтиб бергиси.. келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Офтоб ойим бирин-бирин кузатувчи хотинлар билан кўришиб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сўнгра бирин-бирин сўзлаб берди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Азон билан туриб ойга қарадим, Ўтганлардан бирин-бирин сўрадим.* «Қўшиқлар».

БИРИНЖ I [*ф.* برنج – бронза; сариқ мис] *эск. айн.* **бронза.** *[Ҳайкални] ..атайин қолип ясатиб, атай биринждан қуйганидан кейин.. изидан бирор илтимоси бўлмоғи ҳам тайинда, ахир.* М.М.Дўст, Лолазор.

БИРИНЖ II [*ф.* برنج – гуруч] *айн.* **гуруч**. *Югуриб бозорга борса, Гўшт, биринж олиб келса.* «Бойчечак».

БИРИН-КЕТИН *рвш.* Биринининг кетидан бири, кетма-кет, орқама-орқа; навбат билан. *Камбағаллар бирин-кетин пастга тушишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Мажлис тугаб, одамлар идорадан бирин-кетин чиқа бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Элмурод орқасига бурилиб, Латифий билан Араббойнинг бирин-кетин келаётганини кўрди-да, ғазабланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Артиллерия.. душман окопларини, ўт очиш нуқталарини бирин-кетин тор-мор қилмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Олма-ўрик ва шу каби тар мевалар ҳам бирин-кетин пишиб, одамларнинг оғзиларига тегди.* К. Яшин, Ҳамза.

БИРИН-СИРИН *айн.* **бирин-бирин**. *Қизлар бирин-сирин ўринларидан қўзғалишди.* «Ёш куч». *Эрталаб одамлар яна бирин-сирин Отахўжа аканинг ташқарисига йиғилишди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Бутун бошидан кечирганлари бирин-сирин кўз олдидан ўтаверди.* Ойдин, Ҳикоялар.

БИРИНЧ [*ф.* برنج – гуруч] *айн.* **гуруч.** *Азизим, деб босиб келди Девзира биринч ошини.* «Нурали». *Мани берган ёғ, биринчим билан ота-онанг ош кўрди-ку!* Ҳамза.

БИРИНЧИ 1 *ртб. сон* Тартиб ўрни 1 рақами билан белгиланган, 1 номерли. *Биринчи жилд. Биринчи бет. Биринчи қатор. Навоий кўчасидаги биринчи уй.* ▬ *У биринчи қўшиқни яхши айтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йўлчи биринчи кун бозорни айлана-айлана, кечга қадар уч-тўрт ерга юк орқалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаторда энг олдинги ўринда турган, энг олдингиси, энг аввалгиси. *Биринчи арава тўхтамай ўтиб кетди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Биринчи масала юзасидан Бўтабой акага сўз берилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўша куни биринчи сўроқ шу билан тугади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 Бошқаларига нисбатан энг олдинги, бош; тўнғич. *Биринчи фарзанд.*

Биринчи хотин 1) энг олдинда (турган, ўтирган) хотин; 2) *этн. эск.* Кўп хотинли кишининг энг катта хотини, бош хотин. *Бу уйланишдан биринчи хотини ва бошқалар сира хабардор бўлмаслиги ҳам мумкин.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Санаб ўтилган, зикр қилинган ёки кўзда тутилган нарсаларнинг олдингиси, аввалгиси. *Ғолиблар учун уч мукофот белгиланди: биринчиси – 10000 сўм, иккинчиси – 5000 сўм, учинчиси – 3000 сўм.* ▬ *Мирзаев.. Латофатхонга иккита хат ёзди. Биринчи хати-ку бошдан-оёқ «раҳмат»дан иборат эди, кейингисида «қулоғингизга айтадиган гапим бор» деган мазмунда шама қилди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

5 Иш-ҳаракатда ҳаммадан олдин қатнашган ёки қатнашадиган, энг аввалги, илк. *Уни энг биринчи мен кўриб қолдим.* ▬ *..жазога лойиқ муштумзўрларни ном-баном айтайлик. Қани, ёзинг, ўртоқ Самандаров! Биринчи ким?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Биринчи бўлиб Энг аввал, ҳаммадан олдин. *Биринчи бўлиб сўзга чиқмоқ.* ▬ *Бу ишда Қурбон отага биринчи бўлиб қўл бермоқчи бўлган одамларнинг энг биринчиси Абдусамадқори эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Биринчи бўлиб финишга яқинлашиб келаётган спортчини қўллаб-қувватловчи товушлар эшитилди.* Газетадан. **Биринчи галда** (*ёки* **навбатда**) Энг аввал, аввало, ҳамма(си)дан олдин. *Иш жуда соз бошланди, энди охиригача силлиқ кетсин. Бунинг учун биринчи галда дадиллик керак!* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулнорни кўчириш тўғрисида таклиф қилганда, биринчи галда шу мақсад ўйланган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Энг аввал, илк бор пайдо бўлган, юзага келган; ҳаммадан олдин содир бўлган, юз берган; дастлабки. *Биринчи хил муҳаббат – тилда, иккинчи хил муҳаббат дилда бўлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Турғуной биринчи товушни эшитганда, сесканди, сўнггилари эса уни ваҳимага солди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Атроф жимжит. Узоқдан хўрознинг биринчи қичқириғи эшитилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

7 Олдин кўрилмаган, энди илк бор юз берган. *Ота мажлисда биринчи сўзга чиқиши экан.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Танклар жангини Аҳмаджон биринчи кўриши.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кумушбиби ўзига томон келувчи бу даҳшатли хотинни умрида биринчи марта кўриши эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нури чидай олмади, биринчи марта аччиғланиб гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 (***-лар*** *қўшимчаси билан*) Олдинги ўринни олган, олдинда борувчи; пешқадам, илғор. *Бу йилги мусобақаларда командамиз биринчи.* ▬ *У биринчилар қаторида фронтга бориш ҳақида ариза ёзди.* Газетадан. *У Мирзачўлга биринчилар қаторида келган эди.* «Гулдаста».

9 Малакаси, маҳорати жиҳатдан энг юқори, устун; энг моҳир. *Шаҳарда биринчи уста.*

10 Ҳаммасидан зарур, энг муҳим, асосий, бош. *Ҳукуматга ёрдам бериш бизнинг биринчи вазифамиз бўлиши керак.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фан-техника ғоят тараққий этган ҳозирги даврда ҳам нон элнинг энг биринчи ҳаётий негизи бўлиб қолмоқда.* Газетадан.

Биринчи даражали Энг олий, энг юқори; энг аҳамиятли маъноларини ифодалайди. *Биринчи даражали диплом ва пул мукофоти билан қайтди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Фикрнинг ана шу йўсинда ифодаланиши учун.. бадиий деталлар ҳам биринчи даражали ўрин тутади.* «ЎТА».

БИРИНЧИДАН *крш. с.* Гапда санаб ўтиладиган нарса, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг энг асосийсини, энг олдингисини кўрсатади ва «биринчи шуки», «аввали шуки», «аввало» каби маъноларни билдиради. *Биринчидан, халққа нуқул фойдали иш, чунки сиз халқни тўғри йўлга бошлайсиз; иккинчидан, юрт тинчийди, учинчидан, номингиз кўтарилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ман санга икки оғиз гапирай: биринчидан, пулнинг қадрини бил, лўлининг эшагини суғор, пулини ол.* Ойбек, Танланган асарлар.

БИРИНЧИЛИК Бирор масалада (сифат, хусусият, маҳорат, иш-ҳаракат ва ш. к. жиҳатидан) энг устунлик, юқорилик; биринчи ўринда туриш, илғорлик. *Ҳолбуки, «Четан» бунда ҳам биринчиликни олади.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Европа бўйича узун мўйловлилар орасида биринчиликни олган туркиялик Аюб Тўпчи ўз мўйловини беш миллион лирага суғурта қилди.* Газетадан.

БИРИСИ I: **бириси куни** Эртадан кейин, учинчи куни, индин(ига). *Бириси куни, намози асрда азон айтилган вақтда, сени Кўйдарвоза ёнида кутаман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мирзачўлга араваларимиз бириси кун азонда жўнайди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

БИРИСИ II Иккисидан бири ёки кўп нарсадан бирортаси. *Бирисини бердим ҳайло (ҳув ана) гулима, Бирисини ўзим олдим қўлима.* «Эрали ва Шерали». *Бириси илму ҳаё гулзори, Бириси меҳру вафо гулзори.* М. Солиҳ, Шайбонийнома.

БИРИЧ *шв. айн.* **бронза.** *Узангиси тилла, михи биричдан.* «Интизор». *Алпомишнинг Олпинбий бобосидан қолган, ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди.* «Алпомиш».

БИРЙЎЛА, бир йўла Бирданига, ҳаммасини бирдан, барчасини, бутунлай. *..уруш давридаги қизамиқ Асқар отанинг бирйўла уч қизини тутдай тўкиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *У [Зулфиқор] ҳужрага кирибоқ ҳамма гапни бир йўла айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БИРКА [*р.* бирка – белгилар қўйилган тахтача] Молларнинг ва, умуман, нарсанинг рақами (номери), нархи ва ш. к. лар ёзиб қўйилган тахтача; ёрлиқ. *Қарасам, бечора сигирнинг бирка тақилган чап қулоғи ярмидан кесиб ташланибди.* «Муштум».

БИРКИТИЛМОҚ Биркитмоқ фл. мажҳ. н. *Дастлабки фаолиятини Расулжонга биркитилган соҳаларни текширишдан бошладилар.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бувиражабга биркитилган ўн беш сигирнинг таги доим тоза, охури ем-емишга тўла.* «Ёшлик».

БИРКИТМОҚ *айн.* **бириктирмоқ 3.** *У [раис] бизни тўртинчи бригадага биркитмоқчи. Мен кўнмадим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Тил биркитмоқ Келишиб олмоқ, гапни бир жойга қўймоқ. *-Биламан, – деди хотин қошларини чимириб, – ҳамманглар бир одамсизлар. Тил биркитиб қўйгансизлар.* С. Аҳмад, Уфқ.

БИРЛА *эск.* **1** *кт. айн.* **билан**. *Садоқат бирла ўзбек шуҳратини ёймоқда оламга.* «Гулдаста». *Қўшинларинг бўлди ер бирла яксон.* Ҳ. Олимжон. *Феруз бирла бир хонада ўтириб гурунг этмакка, бир қозонда пишган овқатни емакка ор қилганими бу?* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кам қўлл. айн.* **бирга.**

БИРЛАМЧИ 1 *с.т.* Биринчи. *Уни севгани билан қовуштирамиз. Бирламчи шартим шу!* К. Яшин, Ҳамза.

2 Бирон ҳодиса жараёнида биринчи ўрин тутган; асосий, биринчи. *Материя бирлам-*

чидир (флс.). ▬ *От туркумига оид сўзларда лексема бирламчи нутқий негиз ҳолатида бўлади.* «ЎТА». *Бирламчи космик нурлар ер атмосфераси орқали ўтаётганида, ўз энергиясини жуда тез сарфлайди.* Газетадан.

Бирламчи жинсий белгилар Эркак билан аёл кишини, шунингдек, эркак ва урғочи ҳайвонни бир-биридан ажратиб турадиган асосий белгилар, хусусиятлар. **Бирламчи ўрама** *физ.* Электр машина ёки трансформаторларнинг бошланғич ток ўтадиган ва магнит майдони ҳосил қиладиган ўрамаси.

БИРЛАН *эск. кт. айн.* **билан.** *Халқинг бирлан баҳодирсан, яна сен бебаҳодирсан.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Бу нобакор айтсун, нечун мурдашўйлар бирлан қўл олиб кўришур?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мушк бирлан райҳон файз бериб уйга, Аламнок кўнгилни солар минг куйга.* Б. Бойқобилов, Садоқат.

БИРЛАШГАН 1 Бирлашмоқ фл. сфдш. Ўзаро жипслашган, ўзаро келишишган, дўстлашган. *Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар.* Мақол.

2 Бир турдаги нарсалар ёки тенг ҳуқуқли кишилардан, ташкилотлардан, давлатлардан ва ш. к. дан ташкил топган; муштарак. *Бирлашган хўжалик. Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.*

БИРЛАШМА Маълум асосда ёки маълум мақсадларни кўзда тутиб уюшиш натижасида вужудга келган ташкилот, уюшма. *Сиёсий бирлашмалар.* ▬ *Бирлашма ташаббуси билан яқинда бир яхши ҳаракат бошланди.* Газетадан. *Бирлашма уч қаватли янги бинода эди.* А. Мухтор, Асарлар.

БИРЛАШМОҚ 1 Ўзаро туташмоқ, уланмоқ; қовушмоқ. *Ниҳоят, уларнинг лаблари беихтиёр бирлашди, қонларида, томирларида баҳор қуёши эригандай бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ақл ва бахт бирлашса, инсоннинг ҳаётий йўли равон бўлади.* Газетадан. *Тоғ ўнгирларидан оқиб чиқаётган Еттикечув, Ўринлисой, Кўксувлар бирлашиб, Заминсой ҳосил бўлди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Маълум асосда ёки маълум мақсадларни кўзлаб, бирга қўшилмоқ, уюшмоқ. *Бўрини кўрса, овул ити бирлашар.* Мақол. ▬ *-Ахир барча темурийлар бирлашиб, иттифоқ тузсалар бўлмасми? — деди Нигор хоним куюниб.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БИРЛАШТИРМОҚ Бирлашмоқ фл. орт. н. *Камқувват корхоналарни бирлаштирмоқ.* ▬ *Бизларни мактаб бирлаштирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зулм хўрланганларни бирлаштиради.* «Қанотли сўзлар».

БИРЛИК 1 Бир ёқадан бош чиқариб бирлашганлик; ҳамжиҳатлик, якдиллик. *Куч — бирликда. Бирлик бор — тириклик бор.* Мақол. *Ҳикмат — бирликда.* Мақол.

2 Бир бутунлик; умумийлик, муштараклик. *Ойимхон билан уни [Элмуродни] самимият, очиқлик, ният-тилак бирлиги маҳкам боғлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Инсонни кучли қиладиган, уни безайдиган нарса — мақсади, тўғрироғи, мақсадлар бирлиги!* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бола тарбиясида мактаб билан оила ўртасида мақсад бирлиги бўлиши лозим.* Газетадан.

3 Санаш, ўлчаш, ҳисоблаш, қиёс қилиш учун мезон сифатида қабул қилинган катталик. *Ўлчов бирликлари.* ▬ *Электр сиғимининг бирликлари.* «Физика курси». *Биз ёруғлик кучини ёки товуш кучини ўлчаймиз, лекин ҳид кучини ўлчайдиган бирлик йўқ.* Газетадан. *Геокимё текширадиган асосий бирлик — кимёвий элемент ва унинг атомидир.* А. Е. Ферсман, Қизиқарли геохимия.

4 *тлш.* Тил сатҳларининг лисоний категориялари. *Тил бирлиги. Луғавий бирлик. Фразеологик бирлик. Нутқий бирликлар.* ▬ *Нутқ бирлиги бўлган сўз, негиз, сўзнинг маъноли қисмлари ўзгармайдиган турғун ҳодиса эмас.* «ЎТА». *Фразеологик бирлик шоир томонидан шеърнинг ритм, банд, вазн, қофия каби воситалари талабларига бўйсундирилган ҳолда ишлатилади.* «ЎТА».

Бирлик категорияси Шахс ёки предметнинг битталигини билдирувчи грамматик шакл.

БИРЛИКДА *айн.* **биргаликда 2.** *Бирликда иш олиб бормоқ.* ▬ *Кўриб ҳар ким деди бирликдаги қувватга салламно.* Ҳабибий. *Шу билан бирликда, Ҳасанали ҳам Отабеклар билан.. қўшилиб қамалган бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БИРМА-БИР *рвш.* **1** Тартиби, гали билан, бирин-бирин, бирин-кетин, кетма-кет. *Ғиштларни бирма-бир олишган эди, олтин тўла хумнинг оғзи кўринди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Манзура опа ҳар бир синфга кириб, болаларнинг тозалиги борми, кундалиги борми — бирма-бир текшириб*

чиқдилар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Сафаров уларни кузатиб қайтди ва аризаларни бирма-бир кўздан кечирди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Бирор воқеа-ҳодисанинг бутун тафсилоти билан, битта-битта, битталаб. *Элмурод.. бўлиб ўтган суҳбатни бирма-бир гапириб бермоқчи бўлиб ўйланиб, қоғозга ёзди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ҳар бирини алоҳида-алоҳида, якка-якка, битта-биттадан, битталаб. *Комиссия ёш ўқитувчиларни бирма-бир чақириб суҳбатлашишга ва уларнинг қаерда, қандай вазифада ишлашини белгилаб беришга киришди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ахир қирқ-эллик хонадоннинг молини бирма-бир уйга элтиб бериш осонми?* Ойдин, Ҳикоялар.

БИРМУНЧА *рвш.* **1** Бир қанча, анчагина. *Бирмунча вақт.* ▬ *Элмурод шу кўйи яна бирмунча юргач тўхтади-да, йўл четидаги бир тошга ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Абдужалил бой тегирмонга яна бирмунча вақт айланишади.*А. Қодирий, Обид кетмон. *Ёз ойлари эди. Ҳаво бирмунча салқин.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Бир қадар; маълум даражада. *Беморнинг аҳволи бирмунча яхшиланди.* «Шарқ юлдузи». *Элмурод қизга яқинлашар.. ва унинг олдида бирмунча хижолат чекиб, кўпинча гап тополмай, қизарар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Публицистикада конфликт бирмунча ўзига хос шаклда акс этади.* Газетадан.

БИРНЕЧА (*тўғриси* **бир неча**) *қ.* **неча**. *Яна бирнеча дақиқалардан кейин Анвар садаф пардалари ярақлаб турган яп-янги тор кўтариб кирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БИРНИМА (*тўғриси* **бир нима**) *қ.* **нима**. *У ҳақда, ўзим ҳақимда бирнима айтсангиз..* Мирмуҳсин, Меъмор.

Бирнимали бўлиб қолмоқ Бирор нарсага эга бўлмоқ. *У шу ҳаракати билан «вақти келганда бирнимали бўлиб қолмаймизми» демоқчи эди.* Газетадан.

БИРОВ I *снқ. сон* Бир, битта. *Икковга биров ботолмас, Отлиққа яёв етолмас.* Мақол. *Бировни кўриб фикр қил, Бировни кўриб шукр қил.* Мақол.

БИРОВ II *гум. олм.* **1** Кимлиги номаълум, қандайдир бир номаълум киши, кимдир, аллаким. *Бирни биров беради, Кўпни — меҳнат.* «Қанотли сўзлар». *Биров билганини мақтар, биров — кўрганини.* Мақол. ▬ *-Қалайсан, ука? — биров келиб туртди Йўлчини.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биров борким, бору — бор бўлса ҳам йўқ, Биров борким, йўғу — йўқ бўлса ҳам тўқ.* Ҳабибий.

2 Бошқа бир киши; ўзга, бегона. *Болахонада иккаламиз турганимизни тағин биров кўриб қолмасин.* К. Яшин, Ҳамза. *Энди уни [Умидни] кўриши ҳам, у ҳақида ўйлаши ҳам мумкин эмас, У энди бировнинг бахти.* Мирмуҳсин, Умид. *Бировнинг кўнглига зўрлик билан эгалик қилиб бўлмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Баъзи бировлар Баъзи бир кишилар, ўзгалар. *Баъзи бировлар ушлашиб қўлини, Тополмай овора бўлارлар йўлини.* «Қўшиқлар». **Бировлар** Уришиб, аразлашиб қолган кимсанинг номини тилга олиш хоҳланмаганида, унинг номи ўрнида ишлатиладиган сўз. *Аммо [Отабекда] «бировлар» тўғрисида, нима бўлганда ҳам, бир гап эшитмак ҳаваси туғилган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БИРОДАР [*ф.* برادر — ака, ука] **1** Ака ёки ука; оға ёки ини. *Бойсунқур мирзо ўз қобилияти, ўткир зеҳни, ишбилармонлиги билан биродарларидан ажралиб туради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Фаолияти, қарашлари, муносабатига кўра ўзаро яқин шахс; ҳамдам, дўст. *Тангри биродарларига қовоғини солиб қаровчи кишиларни ёқтирмайди.* «Ҳадис». *Мурибдек кишини биродар, оға тутиниб, Авазнинг ёруғ кунлари зиёда бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Минг ташаккур, минг раҳмат, ёнимизга кириб, деҳқончиликка ўргатган ўзбек биродарларимизга.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Ўртоқ, оғайни (мурожаатда). *Сиз қутлуғ кунларда етиб келдингиз, азиз биродарлар!* А. Мухтор, Дўстлигимиз барқ урсин. *Биродар, Азизхон деган полвон болани қайдан топсам бўлади?* С. Аҳмад, Уфқ. *-Қаёққа, биродар? — деди шопмўйлов таксичи, машинанинг қия деразачасидан мўралаб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Биродари азиз Азиз дўстим, оғайним. *Биродари азиз, сиз менинг бу сўзларимдан хафа бўла кўрмангиз..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Биродар (эркаклар исми).

БИРОДАРЗОДА [*ф.* برادرزاده — жиян; ака ёки уканинг фарзанди] Ука ёки аканинг ўғли, қизи; амакивачча.

БИРОДАРКУШЛИК [биродар + *ф.* کش — ўлдирувчи] Ака-укаларнинг, ўзаро яқин,

қариндош кишиларнинг бир-бирини қириши; улар ўртасидаги ўзаро қирғин-барот. *Сизнингча, бу биродаркушликнинг илдизлари қаерда, уларни қандай қилиб йўқотиш мумкин?* «Ёшлик». *Мен яқин ўтмишда юз берган биродаркушлик васвасаси қачондир бизга сабоқ бўлишига.. умид боғлаб сукут сақлардим.* Газетадан.

БИРОДАРЛАРЧА *айн.* **биродарона.** *Биродарларча ёрдам бермоқ. Биродарларча муносабат. Биродарларча ғамхўрлик.*

БИРОДАРЛАШМОҚ Ака-укалардек, оға-инилардек бўлиб кетмоқ; иноқлашмоқ, дўстлашмоқ. *Биродарлашган шаҳарлар.* ▬ *Тошкент — биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясининг аъзосидир.* Газетадан.

БИРОДАРЛИК 1 Ака-укалик, оға-инилик.

2 Ака-укалардек, оға-инилардек дўстона муносабат; иноқлик, дўстлик. *Биродарлик — баробарлик.* Мақол. ▬ *Дўстлик, қардошлик, биродарлик биз етиб келган порлоқ манзиллар, юксак довонларнинг тамал тоши бўлиб қолади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

БИРОДАРОНА [*ф.* برادرانه — акаларча, укаларча] *рвш.* Ака-укалардек, оға-инилардек; яқин, қадрдон кишилардек; дўстона. *Биродарона ёрдам кўрсатмоқ. Биродарона салом. Биродарона муносабатлар.*

БИРОЗ *(тўғриси* **бир оз***) қ.* **оз 2.** *Қўлидаги қаламни ўйнаб, бироз жим қолди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Чол қаддини бироз тиклаб, оғзи билан чуқур нафас олди.* «Ёшлик». *Зовур ёқалаб бироз юргач, дала шийпони рўпарасидан чиқдик.* «Ёшлик».

БИРОН(ТА) *айн.* **бирорта.** *Қимирлаётган бирон жонзот кўринмайди.* К. Яшин, Ҳамза. *Аҳмедов унинг сўзини бирон марта ҳам бўлмасдан, тек ўтириб тинглади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БИРОН-БИР *айн.* **бирорта.** *Кексаларнинг айтишича, бундай пайтларда бирон-бир тепаликнинг устига чиқиб, жимгина қулоқ солиб ётсангиз, ернинг нафасини эшитармишсиз.* Ў Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Нусратбек лойқаланган хотиралари гирдобида ўралашиб, бирон-бир бахтли кунини эслолмади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БИРОНҒОР *тар. ҳарб.* Қўшиннинг ўнг қаноти, ўнг фланг. *Ҳусайн Бойқаро.. бу ерда қўшин тартибини кузатиб турди. Биронғорга амир Бадриддинни сардор қилди.* Ойбек, Навоий. *Узоқда душман қўшини кўзга чалинганда, биронғордан Ислим барлос, Валибек Мирзо Ёдгорнинг жиронғорига зўр сурон билан от солишди.* Ойбек, Навоий.

БИРОР *гум. олм.* Қандайдир бир; кимдир; бирон-бир; маълум, муайян. *Мана энди мирзам оталик қилиб, ўрдадан бирор иш топиб берсалар, тақсиримга ҳам офтоб тегса ажаб эмас.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бирор чақиримдан сўнг торгина йўлак кўринди.* «Ёшлик». *Бирор одамнинг иши юришишига кўмаклаша ол.* Шукрулло, Сайланма.

БИРОРТА 1 *айн.* **бирор.**

2 Битта, битта-яримта; битта ҳам. *Ҳали ўйноқи кўзларини юммаган ёруғ юлдузларни ҳисобга олмаса, Қорабулоқ қишлоғида бирорта уйғоқ жон қолмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Саройда бирорта тирик жоннинг қораси кўринмайди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ахир, бирорта чуқур-пуқур йўқми, дейман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

БИРОТАР Милтиқнинг тури. *Афғон аскарлари.. кийимлари яхши, қўлларида биротар инглиз милтиғи.* "Шарқ юлдузи".

БИРОҚ *зидл. боғл.* Тенг маъно ва вазифали гап бўлаклари ёки гапларни зидлов йўли билан боғлайди ҳамда мазмунан аввалгисига зид фикрнинг бошланишини англатади. *Ҳаво булут бўлди, бироқ ёмғир ёғмади.* ▬ *Чавандозлардан бири маррага яқин қолганда йиқилиб тушди, бироқ унга ҳеч ким парво қилмади.* К. Яшин, Ҳамза.

БИРПАС Қисқа вақт, унча кўп бўлмаган фурсат; бир оз, сал, озгина, андак. *Нусратбек машина ортидан бирпас маъюс тикилиб турди.* С. Нуров, Нарвон. *Мансур тағин бирпас ўйланиб турди-ю, индамай чиқиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бирпасдан кейин Кўп вақт ўтмай, бир оздан кейин. *Бирпасдан кейин эшик қоқилди.* «Гулдаста». *Ўртоғининг гапларидан ҳанг-манг бўлиб қолган Нодир бирпасдан кейин ойисини огоҳлантиргани уйга югурди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

БИРПАСДА *рвш.* Қисқа вақт ичида, тезлик билан, бир нафасда, сал вақт ичида; дарров, тезда. *Одам бўлмоқ секин-аста, Ҳайвон бўлмоқ бирпасда.* Мақол. ▬ *Йўлчи улар билан.. бирпасда апоқ-чапоқ ўртоқлашиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Ўзим сизни бирпасда тузатиб юбораман, — деди у жилмайиб.* «Гулдаста».

БИРПАСЛИК Кўп чўзилмаган, унча кўп бўлмаган. *Бирпаслик ҳузур деб, қадрингни кетказма.* ▬ *Бирпаслик ёғингарчиликдан сўнг осмоннинг туси тозаланди.* «Ёшлик».

БИРРАВ, бирров Қисқа вақт ичида, бир зум; бир бор. *Одамлар эрталаб ишга кетиш олдидан марҳумнинг қариндошларидан биррав кўнгил сўраб чиқайлик, деб йиғилишди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бир ҳафта олдин кенжатойи Ўлмас бирров келиб кетганди.* «Муштум». *..биррав бориб, болаларни тинчитиб келмасам бўлмайди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

БИРСЎЗЛИ (*тўғриси* **бир сўзли**) Гапида, берган ваъдасида қатъий турувчи, қатъиятли. *У бирсўзли, зуғумли, жаҳлдор бўлиб кетди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

БИРТАГИНА *шв. айн.* **битта, биттагина.** *Энди биртагина ўғил бўлса, мана ўзини тўй қилганимга ўн-ўн беш йил бўлиб қолди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

БИРТАЛАЙ (*тўғриси* **бир талай**) *қ.* **талай**. *Менинг ҳам birталай умрим беваликда ўтди.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Дарё сувидан тўпланган кўлмаклар birталай жойни қоплаб ётибди.* Газетадан.

БИРУ БОР *дин.* Яккаю ягона, ёлғиз (Аллоҳнинг сифатларидан бири). *Қаерга борсанг ҳам, биру бор сени ўз паноҳида асрасин.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БИРХИЛ (*тўғриси* **бир хил**) I Аллаnечук, аллақандай. *Тамаранинг кўнгли бирхил бўлиб кетди, беихтиёр аёл томонга қараб юрди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Бирхил бўлиб кетяпман, ойи...* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БИРХИЛ II *айн* **ўхшаш; баравар, тенг.** *Хўжайинлардан ҳеч бирига сир бермай, уларга бирхил сўзла..* Ойбек, Танланган асарлар. *Юрагингиз ҳам, томир уришларингиз ҳам, бор вужудингиз ўн саккиз яшар қизники билан бирхил.* С. Аҳмад, Юлдуз.

БИРХИЛЛАШТИРИШ Бирор нарсани (алифбо, имло, термин ва ш.к.) бир хил нормага, умумий бир шаклга келтириш, унификация. *Терминологияни бирхиллаштириш.*

БИРҚАДАР (*тўғриси* **бир қадар**) *қ.* **қадар.**

БИРҚАНЧА (*тўғриси* **бир қанча**) *қ.* **қанча.**

БИРҚАТОР (*тўғриси* **бир қатор**) *қ.* **қатор**.

БИРҚОЗОН *зоол.* Куракоёқли қушлар туркумига мансуб бир хил йирик қуш; сақоқуш. *Қайиқ «ялангликлар»га чиққанда, бирқозонларнинг оқ булутдай катта галаси эринчоқлик билан осмонга кўтарилади.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

БИРҚУЛОҚ Экин чиқарган биринчи барг. *Бодринг эккан эдим, бирқулоқ бўлиб қолди.*

БИРҚУР, бир қур Бир бор, бир марта, бир карра. *..лойқанинг йўлини бир қур тозалаб чиқдим.* П. Қодиров, Эрк. *Тевараккa бирқур синчков назар ташлаб чиқди-да, писта шохчаларини синдириб, хуржунга тиқа бошлади.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

БИРҲАД *мат.* Ҳар бири бирор мусбат даража билан олинган сонлар ёки ҳарфларнинг иккитаси ёки бир нечтасининг кўпайтмасидан иборат бутун алгебраик ифода.

БИСЁР [*ф.* بسیار – кўп сонли, кўп; жуда, ниҳоятда] *рвш. эск. кт.* **1** Катта миқдорда; жуда кўп, чексиз, чегараси йўқ. *Яхшиликни бисёр қил, зарра ёмонликни ҳам бировга раво кўрма.* Газетадан. *Кўп эрур бисёр душман Бўлса у бир дона ҳам.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Ҳа, қушгинам, ҳали заминда макр бисёр, зулумот бисёр..* Х. Даврон, Тўмариснинг кўзлари.

2 Юқори даражада; ғоят даражада, жуда; бениҳоя. *Тўй бисёр шукуҳлик эрди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Аммо маърузангиз бисёр фосиҳ ёзилган эркан, ўқуб ҳузурлар қилдим.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

БИСКВИТ [*фр.* biscuit – қотирилган нон] Ун, крахмал, тухум, қанд, ёғ, сут, қаймоқ ва ш.к. кўпиртирилган масаллиқдан тайёрланадиган печенье ёки нон. *Бисквит хамирдан пиширилган нонлар ҳамма нонлар орасида энг сўлими, юмшоғи ва энг енгили ҳисобланади.* Д. Сиддиқов, Лаззатли таомлар.

БИСМИЛЛО(Ҳ) [*а.* بسم الله – Аллоҳ исми билан] **1** Қуръон сураларининг ва умуман эски китоб, ҳужжат, хат ва ш. к. нинг «Аллоҳнинг номи билан» маъносидаги бошланиш ибораси («бисмиллоҳи раҳмонир раҳийм») таркибидаги сўз. [*Асад қори:*] *Бошидан ўқиётибман, тақсир. – Қози Асад қорига жаҳл билан ўкрайди: -Бисмиллоси қани?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Уни шайтон, ҳа-ҳа, заводдаги мастеровойлар билан бисмиллоси йўқ китоблар айнитди!* К. Яшин, Ҳамза. *Бисмилло, деб Авазхон Шивирлади Ғиротга.* «Нурали».

2 *с.т.* Бирор ишга киришишда, хусусан овқат еийшни бошлашда айтиладиган сўз.

Мирзакаримбойнинг хотини, ҳарсиллаб-гурсиллаб, нарвончанинг ҳар поғонасига қадам қўйганда, «бисмилло»ни такрорлаб, аравага ўтирди. Ойбек, Танланган асарлар. *Оғзидаги носини тупуриб, «бисмилло» деганича, шимининг почасини шимариб, кетмон билан ўрага тушди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 *кўчма с.т.* Бирор ишнинг аввали, бошланиши, муқаддимаси, дебочаси. [*Мирзараим Мастурага:*] *Пул ҳали сомон.. бўлиб қолади. Бу ҳали бисмиллоси-да.* Ҳамза, Яллачилар иши. *Бу гал зиёфатнинг бисмиллоси сарёғ паловдан бошланяпти.* «Шарқ юлдузи». *Уни [шеъримни] ранжитмаслик учун.. ушбу китобимнинг бисмиллосини ҳам шеър билан бошладим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Олишда – бисмилло(ҳ), беришда – астағфурулло Қарз олишни яхши кўрадиган, аммо қайтаришни ёмон кўрадиган одамга нисбатан ишлатилади.

БИСОТ [*а.* بساط – гилам] **1** Шахснинг, кўпинча хотинларнинг ўзига тегишли бўлган, тўплаб қўйган моли, мол-дунёси. *Мастонбиби сандиқдан бисотидаги мовут мурсагини олиб кийди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Оналар Кумушнинг бу ҳайқириғини уялганга йўйдилар-да, уйга кириб, бисот кавлашга, тўй ҳозирлигини кўришга машғул бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тайёрланар Баҳри сафарга, Сандиғини очиб, бисотин Тита бошлар барин бирма-бир.* Ҳ. Олимжон.

2 Кишига, оила хўжалигига қарашли мол-дунё, бойлик. *Ўтган замонда бир фақир эру хотин бор экан. Уларнинг бисотида фақатгина битта эчкиси бор экан.* «Эртаклар». *Ҳосила йиққан бисотини сарфлаб, анча тузук тўй қилди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Мастура хола бисотидаги зоғораларни олиб чиқиб, ўртага қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *кўчма с.т.* Кимсада бор бўлган ҳар қандай нарса; маданий, маънавий бойлик. *Эзгин-эзгин куйласин энди Бисотдаги энг нозик торлар.* «Шарқ юлдузи». *Мулла Қутбиддин бисотида бор энг нодир китобларини бирма-бир олиб, чангларини артиб, Бобурга кўрсата бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бугун шоирлар ҳам ўз бисотидан Энг яхши байтларни излаб турибди.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Нурбек бисотидаги бор сўз билан уни [Ширинни] авради.* «Ёшлик».

4 Бирор хона ёки жойдаги мавжуд нарсалар. *Бу шинам, кўркам хона ўзининг бисоти ва безаклари билан кирган одамни дарров қамраб оларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У ер [меҳмонхона] бой бисотлари, чиройли безаклари, юмшоқ тўшак ва пар ёстиқлари билан кўзларга ором берар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 *кўчма* Табиатнинг борлиғи, бойликлари, эҳсони. *Баҳор бутун топган-тутганини, бутун безак ва бисотини ёйиб юборган.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бисотида ҳур эл учун сақлаган не бор бўлса, қилди аён Мирзачўл.* Ҳабибий. *Ҳар недан гўзалроқдир балки чўл кечалари, Уфқлар кафтдек равон, кўк сочган бор бисотин.* А. Орипов.

БИСОТ-БАҒАЛ [бисот + *ф.* بغل – қўлтиқ; қучоқ, оғуш] Барча бор нарсалар, бор-йўқ бойлик. *Эртами-индин Дилдор албатта кетади. Бисот-бағални шипириб, уйни шипшийдон қилиб кетади.* С. Аҳмад, Уфқ.

БИСОТЛИ Бирор-бир моддий нарсага, бойликка эга бўлган, бисоти бор. *Қариндошларинг Машҳадда нима иш қилади? Агар улар давлатманд, бисотли кишилар бўлмаса, бу юртларда қаттиқ қийналасан.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

БИССЕКТРИСА [би.. + *лот.* secare – кесиш, кесувчи] *мат.* Бирор бурчак учидан чиқувчи ва уни тенг иккига бўлувчи тўғри чизиқ. *..мана бизнинг мактабимиз, биз бу ерда бисскетриса ва келишик қўшимчалари ҳақида маълумот оламиз.* Газетадан. *Учбурчакнинг ички бурчагидан шу бурчак қаршисида ётган томон билан кесишиш нуқтасигача тушган кесма учбурчакнинг биссектрисаси дейилади.* «Геометрия» дарслиги.

БИСТАР [*ф.* بستر – кўрпа-тўшак, кўрпача] *эск.* Тўшак, кўрпача; бошпана. *Қўйлар бўшатган бу ер тутқунлар учун иссиққина бир макон, тиканлари бўлса ҳам, юмшоққина бир «бистар» эди.* С. Айний, Қуллар. *Онам бечорани ғам бистарига зор ташлатманг!* Ҳамза.

БИТ Одам ёки ҳайвон танасида улар қонини сўриб яшовчи паразит ҳашарот. *Билмаганга бит ўлдириш ҳам қийин.* Мақол. *Боланинг эркаси – битнинг сиркаси.* Мақол. ▬ *Битнинг бир жуфт оддий кўзи бор, кўпчилигида кўз ривожланмаган.* «ЎзМЭ».

Бити тўкилди *с.т.* Роса тўйиб, мириқиб, қилар ишни қилиб олди; маза қилди.

Йигитлар алламаҳалгача бир-бирларига қор отишиб, узуқ-юлуқ ялла айтиб, тоза битларини тўкишди. «Ўзбекистон қўриқлари». **Иту бит; Ит ҳам, бит ҳам; Ит бўлса ҳам, бит бўлса ҳам** Ким бўлишидан қатъи назар, каттами-кичикми, бари бир. *Ит бўлса ҳам, бит бўлса ҳам, айтганим бўлсин.* ▬ *Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад, Ит ҳам, бит ҳам мулкин талаб кетишмас.* А. Суюн, Олис тонглар.

БИТБИЛДИҚ *тақл. с.* **1** Бедананинг сайрашига тақлид. *-Битбилдиқ, битбилдиқ! — бедана аллақандай эҳтирос билан сайрар эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Онда-сонда якка беданаларнинг битбилдиғи эшитилиб қолади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Лақаб вазифасида келади. *У [Мулламамат] бу кавушни Муса битбилдиқ аллақаёққа сафарга кетадиган куни домлага тортиқ қилиб кетганлигини аниқ билар эди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

Бедананинг уйи йўқ, қайга борса — битбилдиқ Турар жойининг тайини йўқ, дарбадар, аммо беғам, хушчақчақ одам ҳақида. *-Бедананинг уйи йўқ, қайга борса битбилдиқ — деди Мавлон.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

БИТБОЗЛИК *фольк. кам қўлл.* Битларини боқиш, битларини ўлдириш. *[Мастон кампир] Бир куни томининг орқасига чиқиб, офтоб рўйига қараб, битбозлик қилиб ўтирса, Гўрўғлибек оҳиста-оҳиста ўтиб кетиб бораётир.* Э. Жуманбулбул, Хушкелди.

БИТИК I *эск. кт.* **1** *айн.* **ёзув**. *Аҳмад Ҳусайн қинғир паст девор қаршисида тўхтади, унда беўхшовгина йирик ўйма битикларни ўқиди.* Ойбек, Нур қидириб. *Кўргазмага қўйилган тош битиклар кўринмас эди.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш. *Шоҳизинда тошларининг битигини Уқолмасдан қайғу чеккан болалигим.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

2 Хат, мактуб, асар. *-«Насойимул-муҳаббат!» — Бобурнинг кўзлари чақнаб кетди. — Мир Алишернинг битиклари-ку!* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *-Ҳой чироғим, — деди у [почтальон], — сенга битик бордай эди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

БИТИК II *шв.* Эт битиб, тузалиб кетган ёки бирикиб бекилиб қолган; битов.

Кўзи битик 1) кўзи очилмаган ҳолда туғилган (баъзи ҳайвонларнинг янги туғилган боласи ҳақида); 2) эт битиб, очилмайдиган бўлиб қолган. *Кўзи битик яра.*

БИТИКЛИК Ёзилган, ёзиб қўйилган, ёзиғлик. *Онам отам исмини балки миллионлаб марта такрорлагандир. Сўнгги сўзларини, битиклик хатини саноқсиз кўзга сургандир.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

БИТИКЧИ *тар.* Ўрта асрларда хон ва маҳаллий ҳокимларнинг барча ёзув ишларини олиб борувчи; котиб. *Сарой битикчиси — белбоғига қаламдон қистирган, кўк салла ўраган йигит Чингизхоннинг форс тилида ёздирган ёрлиғини ўқиб эшиттирди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Битикчи Хожа Исмоил пастроқда чордана қуриб, чап тиззасидаги жузвдон устига қўйилган қоғозга қооннинг фармойишини ёзар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БИТИЛМОҚ 1 Битмоқ 1 фл. мажҳ. н. *Қайноқ қалб сўзлари битилган мармар лавҳа ғарибгина қабр тепасида қолди.* С. Аҳмад, Сувлар оқиб кетди.

2 *кўчма дин.* Аллоҳ томонидан ёзилган, буюрилган. *Рашиднинг қисматига ота юртига бориб яшаш битилган эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *..азалдан тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бирилан қочсанг, бошқасига тутиласан. Ундан кўра қочмаймиз! Таваккал. Пешонага битилгани бўлур!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

БИТИМ 1 Ўзаро келишув, тўхтам, қарор. *Тўй тантанасини кечқурун куёвникида ўтказишга битим қилинган бўлса-да, қизникида ҳам қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар лиммо-лим эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Мулла Муҳсин ўз маслакига, яъни фатвосига тескари бўлган бу битимга қарши чурқ этиб оғиз очмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *ҳуқ.* Тарафлар томонидан расмий равишда тузилувчи, қабул қилинувчи аҳднома, шартнома, контракт. *Битим тузмоқ. Битимга келмоқ.* ▬ *Жунайд Хива хони билан бўлган битимдан кейин тинч қўймади, кетимиздан одам юборди, қўлига тушсак, ўлдирмоқчи бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тузилган битимга кўра, Абдулатиф Самарқандга юборилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *ҳуқ.* Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракати. *Меҳнат битими. Бир тарафлама битим.*

БИТИРМОҚ Битмоқ I фл. орт. н. Якунига, охирига етказмоқ, тугалламоқ. *Зайнаб сўзини битира олмади, четга қараб, кўз ёшини тўкди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ашулани битириб, дуторни четга суяб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзимизнинг мирзатераклар мўрт чиқиб қолди. Мўйловдор шаҳар қўнғизи уни еб битирди.* Газетадан. *Биласизми, Мансур ака, мактабни битириб, институтга бормоқчиман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тўққизинчини битирганимда, онам қишлоққа келиб, ўз отамнинг васиятини айтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Қулоқни битирмоқ 1) қулоқни кар, батанг қилмоқ. *Янгроқ арра товуши, болға, босқонларнинг гуп-гупи қулоқни битиради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) гапираверib чарчатмоқ, жонга тегмоқ.

БИТИРУВЧИ Бирор иш-ҳаракат, фаолиятни, мас. ўқишни тугаллаш арафасида турган. *Битирувчи курс. Институт битирувчилари.* ▬ *Мудир докладининг охирида битирувчиларни номма-ном чақириб, «гувоҳнома» тақдим қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ярим соатдан кейин.. битирувчилар билан ўқитувчилар учун зиёфат бошланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Биринчи қор битирувчиларнинг йўлига пойандоз бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

БИТИШМОҚ I **1** Ўзаро бир фикрга, тўхтамга, қарорга келмоқ; сўзни бир жойга қўймоқ; келишмоқ. *Қуда бўлиш тўғрисида Содиқа хола Шаҳри хола билан аллақачон енг ичида битишиб қўйган эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Шундан сўнг бир-бирлари билан битишдилар, икки ёр бир бутун бўлиб иш кўришга ваъдалашдилар.* У. Исмоилов, Сайланма.

2 Сулҳга, муросага келмоқ, ярашмоқ. *Тағин ким билади, ўртага нозик одамлар тушса, у кўз ёш қилиб, тавбасига таянса, битишиб кетадими.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

3 *тлш.* Мослашмай, бошқарилмай боғланмоқ (сўз бирикмалари ҳақида).

БИТИШМОҚ II **Битмоқ** III фл. бирг. н.

БИТИШУВ 1 Битишмоқ I фл. ҳар. н. *Ўзаро битишув.*

2 *тлш.* Мослашмай, бошқарилмай боғланиш (сўз бирикмалари ҳақида). *Бир сўзнинг иккинчиси билан мослашмай, бошқарилмай боғланиши битишув деб аталади.* «Ўзбек тили грамматикаси».

БИТКЎЗ, бит кўз 1 Қисиқ, чўзиқ кўз. *Милиционернинг бит кўзи сариқ, лаби олдинга бўртиб чиққан эди.* «Ёшлик». *[Одилнинг] Бит кўзлари тағинам қисилди, пешонасидан ажин ўрмалаб ўтди.* «Муштум».

2 Шундай кўзли одам. [*Аломат*:] *Ҳў, биткўз, қани, чиқ бу ердан.* «Ёшлик». *Бир кун ичида талай маълумотлар тўплаган бу биткўз ўзининг аниқ жавоблари билан ҳокимни қониқтирди.* М. Осим, Ўтрор.

БИТЛАМОҚ Бит босиб, битлиқи бўлиб кетмоқ. *Боши битлаб кетибди.*

БИТЛИҚИ Ҳамма ёғини бит босиб кетган, бити кўп.

БИТМА *эск.* Қўлда ёзилган, қўлёзма. *Битма китоб.*

БИТМАС 1 Битмоқ I фл. сфдш. *Кетар бахтингнинг қораси, Битмас кўнглингнинг яраси.* «Кунтуғмиш».

2 Ҳеч тугамайдиган, чеки йўқ. *Ер-сув — битмас кон.* Мақол.

БИТМАС-ТУГАНМАС 1 Охир-поёни йўқ, узундан-узоқ. *Битмас-туганмас йўл.* ▬ *Бир тутам қиш куни Гулнор учун битмас-туганмас узоқ кўринди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳеч тугамайдиган, тугатиб бўлмайдиган, беҳисоб кўп. *Битмас-туганмас бойлик.* ▬ *Унинг бу қарашида битмас-туганмас ҳурмат ва эҳтиром, севги ва меҳрибонлик сезилиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *У битмас-туганмас муҳаббат, севинч, садоқат кони бўлиб кўринади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

БИТМОҚ I **1** Сўнгига, охирига, ниҳоясига етмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ; тўхтамоқ. *Гап битди. Тилак билан битмаган билим билан битар.* Мақол. ▬ *Катта Фарғона канали қирқ беш кунда — 15 сентябрда битди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Иш битди 1) иш тугади, иш тамом бўлди. *Эринчоқнинг иши битмас.* Мақол. *Уйчининг уйи битгунча, таваккалчининг иши битади.* Мақол; 2) иш, режа, мақсад амалга ошди, мурод ҳосил бўлди. [*Бой ўз-ўзига*:] *Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Иши битди, эшаги лойдан ўтди** *кест.* Ўз ишини битириб олгандан кейин, хайр-маъзурни насия қилиб кетган ёки аввалги муомаласини ўзгартириб юборган одам ҳақида. *Иш битиб, эшак лойдан ўтгандан кейин зўравонлар*

чиқиб, ерларни талаб оладиган бўлса, бунинг оқибати ёмон бўлади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Куни** (*ёки* **умри**) **битмоқ** Умри тугамоқ; ўлмоқ. *Мен нима қилсам, илм учун, илм йўлида қиламан. Куним битиб ўлсам, ўлигимни ҳам илм йўлига бераман..* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Яхшибоевнинг куни битган, аниқроғи, яна бир кунлик умри қолган.* М.М.Дўст, Лолазор. *Улар одамларни хонавайрон қилаётган уруш эканини, агар уруш битса, ҳамма ёқ яхши бўлиб кетишини сўзлардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тайёр бўлмоқ (қурилаётган, ясалаётган нарса ҳақида). *Қурилиш битди. Кўприк битди.* ▬ *Мана, канал ҳам битай деб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Тилла узук*] *Буюрдим, эрта-индин битиб қолар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Барҳам топмоқ, йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ; бартараф бўлмоқ, тугамоқ. -*Уҳ! — тоқатсизланиб куюнди Аҳмад Ҳусайн. — Қачон бу ёвузлар, хоинлар битади?!* Ойбек, Нур қидириб. *Халқ товуши тинимсиз гувуллайди: «Битсин золим подшо!»* Ойбек, Танланган асарлар. *Барча ёмонлик ўшанинг [Мусулмонқулнинг] боши билан бирга кетгандек, қипчоқ оғайнилар ила тотувлашдик, қипчоқнинг эски адоватлари битди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Кўмакчи феъл вазифасида келиб, *-(и)б* аффиксли равишдошлар билан биргаликда иш-ҳаракатнинг тўла бажарилиши, тугалланишини билдиради. *Кичикроқ водийнинг ҳар ер-ҳар еридан қуюқ тутун кўтарилмоқда — қишлоқ батамом ёниб битган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қизим, даданг, энанг ҳасратингда куйиб битди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бечора қиз отага муҳтож. Отасиз эзилиб битмаса яхши эди.* И. Раҳим, Ихлос.

БИТМОҚ II **1** Ўсиб-унмоқ; етишмоқ. *Мана шу юқорига кўтарилган дарёдан Мирзачўл сув ичади, экин битади.* Ойдин, Ширин келди. *Омад келса, дарахтда ҳам нон битар.* «Қанотли сўзлар».

2 Эт униб, бирикиб тузалмоқ, тўлишмоқ ёки бекилмоқ. *Жароҳатларим битиб кетиши билан, ўз қисмимга қайтиб бордим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Сал кунда Аъзамга эт битиб, рангига қон югурди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

Жир битди *қ.* **жир**. *Энди жир битди-да! Битта кўйлак иккита бўлди!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Иззати битмоқ** Ҳурматини билмаслик, кўрсатилган иззат-ҳурмат қадрига етмаслик. -*Бас! Иззатинг битди, доя бувингга бориб айт! Агар озодлик келтирмасанг, янги сабоққа тушмайсан! — деди [домла].* Н. Сафаров, Султон бўзчининг невaралари. **Қулоғи битмоқ** 1) қулоғи гаранг бўлмоқ, батангга келмоқ. *Хайр, юмушингиз бўлмаса, мен кетдим, шамолдан қулоғим битди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Лаъли нима қилишини билмай, болалар шовқинидан қулоғи битиб туради.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) эшитавериб чарчамоқ, жонидан тўймоқ. **Қулоғи том битмоқ** Эшитмайдиган, пайқамайдиган бўлиб қолмоқ. *Шу дақиқадан бошлаб, Суярқулнинг қулоқлари том битди. Танаффус бошланишини ҳам ҳаммадан кейин — синфда ғовур-ғувур бошланганда билди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Ҳақи битди** Ҳақи қолмади. *Илгариги сўзингиз билан ўзингизнинг ҳақ(қ)ингиз битганлигини била туриб ҳам, яна уялмай-нетмай, виждонсизлар амрини бериб қўясиз-да, уятсизлигингизни яна бир қат орттирасиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БИТМОҚ III *эск.* **1** *айн.* **ёзмоқ**. II. *Юртим, сенга шеър битдим бу кун, Қиёсингни топмадим асло.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Хўжа Абдулла Марворий.. хатни чиройли битарди.* Ойбек, Навоий. *Рўёб Маматова Мирзачўлни ўзлаштириб, ўз жасорати солномасига илк сатрларини битганда, ёшгина қизча эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 (*ж.к. билан*) Муяссар, эга бўлмоқ; пайдо бўлмоқ. *Мана, худо хоҳласа, бошингга дўппи, оёғингга этик, эгнингга чопон, кўйлак-иштон битади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ақл битмоқ Ақл кирмоқ. *Бу нимаси тағин.. сенга сира ақл битмади. Бўйингни қара, менга етай деб қолди.* Ойдин, Ўзи монанд. **Бошга битган бало** Қутулиш қийин бўлган ташвиш, қуруқ ташвишдан иборат. *Ҳе, бу уруш бошга битган бало бўлди-да. Герман ҳам қурсин.. оқ пошшо ҳам қурсин. Энасининг маҳрини талашармикан!* Ойбек, Танланган асарлар. **Мугуз** (*ёки* **шох, қанот** *ва ш.к.*) **битди** Мугуз (шох, қанот ва ш.к.) пайдо бўлди. *Эшакка мугуз битса, жами жониворларни сузиб ўлдирар экан, мушукка қанот битса, ҳеч бир паррандани қўймас экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қай бола мактабда ўқиса аъло, Ўшанга ҳеч толмас зўр қанот битар.* Қ. Муҳаммадий. *Ҳожар опанинг гап оҳангидан ён берганини сезиб, Расул акага*

қанот битди. «Ўзбекистон қўриқлари». **Пешонага битган** (*ёки* **битиб қўйилган**) *эск.* Тақдирда бор, тақдирда белгилаб қўйилган. [*Юсуф*:] *Мана, хотиндан ҳам айрилдик!* — [*Меҳри*:] *Нима қилай, бу ҳам бўлса, пешонага битган бир кўргилик, болам.* О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. *Пешонага битган ёлғиз от эди. Уни ҳам ўртага қўяйми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

БИТОВ I *айн.* **битик** II.

БИТОВ II Аёл жинсий йўлларининг табиий (туғма) ҳолда берк бўлиши ёки битиб қолиши.

БИТТА *дона сон* **1** Бир (саноқда). *Битта, иккита, учта.. Эрнинг сўзи битта.* Мақол. ▬ *Шаҳарда битта докторхона бор.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Мелибойга битта авторучка совға олиб келди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Бир дона; ягона, ёлғиз. *Унақа оғайни мингтадан битта!* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *Мана, сиз битта ўзингиз ўттиз иккита машинага қарар эмишсиз.* А. Қаҳҳор, Йиллар. [*Хонзода*:] *Шаҳарда битта десам ёлғончи бўлмайман. Уни чиройи бошига бало бўлди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Биттаю битта Ягона, ёлғиз. *Сорахоннинг онаси ҳаммага: -Биттаю битта қизимга ичкуёв орзу қилиб юрар эдим, худо ниятимга еткизди, — деб юрди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўзиям гап эшитмаган биттаю битта одам —Гулсум опа бўлди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

3 «Қандайдир бир», «аллақандай», «кимдир» каби маъноларда ишлатилади. *Касалхонага бориб, ўзи кўрган эшикка кириб кетаётганида, битта хотин қайтарди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. *Ахир, биттаси оппоқ сочи билан менга тегишди-да!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ердан чиқдими, осмондан тушдими, йўлда биттаси пайдо бўлиб қолсами?!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

4 Бирлик, бирдамлик, якдиллик ҳамда бир хиллик, ўхшашлик маъноларини англатади. *Уларнинг иккови битта одам.* ▬ *Уларнинг башараси, иши бошқа-бошқа бўлса ҳам, юраги битта бўлар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Иккови битта одам-ку!* — *деди Суяр, нима гап эканини билмай.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

5 Феъллардан олдин келиб, шу феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бир марта бажарилишини билдиради. *Ҳали кеккайиб, бозордан қайтади. Болға билан битта уриб абжақ қилсанг, томоша қилсанг.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ер (*ёки* **ҳовли, дала, уй..**) **билан битта бўлмоқ** Ёйилиб, ҳамма ёқни тутиб ётмоқ. *Ҳовли билан битта бўлиб тўкилган довуччалар, барглар ва хас-чўпларни дастаси узун супурги билан супуришга тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Дўл уриб, синиб кетган ғўзалар дала билан битта бўлиб ётарди.* Л. Тожиева, Тош устидаги гул. *[Дадам] Уй билан битта бўлиб сочилиб ётган нарсаларни яна бир кўздан кечириб чиқдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *У Дилдорнинг орқаси билан битта бўлиб ерга осилиб тушган, қирқ бир кокил қилиб ўрилган узун қўнғир сочларини ҳам узоқдан кўриб, узоқдан завқланиб турибди!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *кўчма* **Ер билан битта қилмоқ** Обрўсини тўкиб, қаттиқ изза қилмоқ. *Мени ер билан битта қилиб кетяпти. Майли, қулоғида бўлсин. Сўнгги пушаймон ўзига душман бўлади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Кечиккан, ишни чала қолдирганни кўрса, қатағонга олиб, ер билан битта қилиб ташлайди.* С. Нуров, Нарвон.

БИТТА-БИТТА *рвш.* **1** Ҳар бири(ни) алоҳида-алоҳида, якка-якка, бирин-кетин, битталаб, бирма-бир. *Битта-битта тарқалишмоқ. Олмани битта-битта термоқ.* ▬ *У оппоқ кафтини чўзиб, йигитлар билан битта-битта хайрлашди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бўрон ўзини бу жойларнинг эгасидай тутиб, битта-битта тушунтирди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Кейин семиз бармоқларини битта-битта оғзига солиб, сўриб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мана буни қаранг: қовурғасини битта-битта санаса бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Эшонбоев, ўзига эргашган одамларни битта-битта орқада қолдириб, деканатга қараб борар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Дона-дона қилиб, салмоқлаб. *Битта-битта гапирмоқ. Битта-битта ўқимоқ.* ▬ *Қурбон ота икки қўлини белига қўйиб, битта-битта қадам ташлаб борар, унинг кўз олдидан янги қишлоқ манзараси кетмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шошилмай битта-битта айтиб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БИТТА-БИТТАДАН *тақс. сон* Бир донадан, ҳар кимга биттадан. *Қалам ва дафтарларни битта-биттадан бўлишиб олдик.*

БИТТАГИНА Ёлғизгина, биргина. *Ахир кўзимнинг оқу қораси биттагина ўғлим бор, садағанг кетай.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мамадали амакининг ҳар йили бешта-олтита туғадиган кучуги бу йил биттагина туғибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

БИТТАДАН *тақс. сон* **1** Бир донадан. *Биттадан бўлиб бермоқ.* ▬ *Баъзи қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари.. биттадан юк машинасини эгаллаб олиб, эртадан кечгача уни банд қилишар экан.* «Муштум». *Ҳар бир бола биттадан қаҳрамон топишга келишиб олдик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 *рвш. взф.* Битта-битта бўлиб. *Биттадан тарқалишмоқ.*

БИТТА-ИККИТА *жуфт сон* Ноаниқ миқдорни ифодалайди; оз-моз, озгина, салгина. *[Эшикни] Сочига битта-иккита оқ оралаган хотин чиқиб очди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *У ерда битта-иккита ёмон одамлар бор эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БИТТАЛАБ *рвш.* Битта-битта, битта-биттадан, бирма-бир. *Бир куни ўрикнинг учига чиқиб, ғўраларни битталаб териб, липпамга қистирдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Элмурод Фотима билан тенглашиб олгач, бир энтикди-да, гўё қалбини жизиллатиб турган оғриқни битталаб олиб ташлаётгандай гапирди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

БИТТАНГА (*тўғриси* **бир танга**) *с.т.* Йигирма тийинлик танга, бир танга. *[Туробжон:] ..юзта мушак отилса.. биттангадан — юз танга.* А. Қаҳҳор, Анор. *Самоварчи.. камбағал-қашшоқлар билан биттанга, ярим танга устида ғижиллашиб ўтиришни истамас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БИТТА-ЯРИМТА *гум. олм.* Бирорта, бирор. *Балки топилиб қолар, битта-яримта шундай бамаъни.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тағин қашқир оралаб, битта-яримта қўйни елкалаб кетса, эгасидан балога қолмай дедим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Чакалакзорни айланар экан, дам-бадам бирорта қушни ҳуркитиб юборарди. Зора битта-яримтасини ушлаб олсам, деган хомхаёлда буталар орасини диққат билан кузатар.. эди.* «Ёшлик».

БИТУМЛАР [*лот.* bitumen — тоғ смоласи, қатрон] Углерод ва водород бирикмаларидан иборат қаттиқ ёки смоласимон табиий ёки сунъий бириктирувчи моддалар (мас., озокерит, асфальт, нефть, гудрон). *Ҳамма чуқур томонга ёпирилди, лекин қувурларга ҳамон яқинлашиб бўлмас, битум, изоляция қолдиқлари тутаб ётар эди.* А. Мухтор, Чинор. *Битум ташийдиган гудронатор машинасига кимдир «губернатор» деб ном қўйиб юборибди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

БИФИДОБАКТЕРИЯЛАР [*лот.* bifidus — иккига бўлинган, айри + *юн.* bakteria — таёқча] Эмизикли болалар ва ҳайвон болалари ичагида учрайдиган фойдали микроблар.

БИФШТЕКС [*ингл.* beefsteak: beef — мол гўшти, гўшт, steak — қийма, парча] Қовурилган мол гўшти ва қайладан иборат қуюқ овқат. *[Умид] Салимхон Обидий бифштексларни хуш кўрмаслигини билиб, йўл-йўлакай бозорга кириб, уч-тўртта ёпилган иссиқ нон олиб борарди.* Мирмуҳсин, Умид.

БИХ [*ф.* بیخ — ўсимлик илдизи] Илдизи кўпикланувчи моддага бой, тўқимачилик саноати, тиббиёт ва қандолатчиликда ишлатиладиган ўсимлик.

БИЧИБ-ТЎҚИМОҚ Билар-билмас гапларни тўқимоқ, ўйлаб топмоқ; ўзича ҳукм қилмоқ, фикр юргизмоқ. *Ўзимча неча хил нарсаларни бичиб-тўқийман, аллақандай ваҳималарга шўнғийман.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Йигитлар ўзларича бу бирон қиздан деб бичиб-тўқишмоқда.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

БИЧИЛИШ *тиб.* Баданнинг табиий бурмаларидаги терининг ишқаланиб қизариши. *Кўп терлаш ва кўп ёғ чиқиб туриши.. бичилишга сабаб бўлади. Бичилиш йилнинг иссиқ пайтларида кўпроқ кузатилади.* «ЎзМЭ».

БИЧИЛМОҚ I **Бичмоқ 3** фл. мажҳ.н. **1** *Бичилган ҳўкиз.* ▬ *Оғушида парилар гул-гул, Ҳарам ичра ғулом бичилган.* У. Қўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 Тикишга мўлжаллаб қирқилган, андозага солинган. *Кенг бичилган тўн тўзмас.* Мақол. ▬ *Кўп вақт ишхонасидан бўхча-бўхча янги бичилган кийим кўтариб келиб, ёқасини ўрнатар, этагини тикарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

БИЧИЛМОҚ II Ишқаланиб, яллиғланиб қизармоқ, йиртилмоқ (тери қатлари, лаб бурчаклари ҳақида). *Чақалоқнинг қўлтиғи бичилибди.* ▬ *Энди, ўртоқ Исмоилов, гап сотиш ҳам эви билан бўлса, лабларингиз бичилиб ҳам кетгандир.* «Муштум». *Иссиқ кунларда баданнинг айрим жойлари терлайди, бичилади.* Газетадан.

БИЧИМ 1 Кийим-кечакнинг тахлити, фасони, бичиғи. *Айтишларича, бутун Японияда бир неча миллион кимоно бўлса ҳам, ё рангида, ёки гулларида, ёки бичимида албатта тафовут бўлади.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда. *Қизлар бу кийимнинг материалини, бичимини зўр иштиёқ билан мақтаб кетишди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Тана (гавда) тузилишининг яхлит кўриниши, қад-қомат; қиёфа. *Бичими келишган йигит.* ▬ *Саидғози уларнинг [Пўлат ва Шерматнинг] бичимига қараб, дарров таниди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу ердаги отлар турли тусда ва турли бичимда бўлиб, зотли, нодир отлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қиз ҳали ёш бўлса-да, бўйчан эди, бичими ингичка ва самбитгул новдасидай адил эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Шакл, ўлчам. *Китоб бичими* 84 х 108 *бўлган қоғозга босилган.*

БИЧИМЛИ Бирор бичимга эга бўлган, ташқи тузилиши, қиёфаси ўхшовли, хушбичим. *Бичимли кийим.* ▬ *Бораётса, шер бичимли, кўзи кўр, сулув бир киши саройнинг оғзида ҳассасини суяб турибди.* «Гўрўғли».

БИЧИМСИЗ Бичими келишмаган, беўхшов. *Бичимсиз кийим.* ▬ *Миркомилбойваччa.. оёғини чалиштириб, кичкина, бичимсиз юзини мастларча буриштириб, папирос тутатади.* Ойбек, Танланган асарлар.

БИЧИШ-ТИКИШ Бичувчилик ва тикувчилик иши, бичиш ва тикиш. *Баъзи кунлари менга бичиш-тикишни ўргатишдан кўра кўпроқ панд-насиҳат бериш билан ўтади.* «Гулдаста». *Нозимахон кечқурунлари бичиш-тикиш курсига қатнай бошлади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

БИЧИҚ 1 *айн.* **бичим 1**. *Тиккан костюмингиз шуми, бичиғи қавиғига тўғри келмайди-ку?* «Муштум».

2 *кўчма* Гавда (тана)нинг яхлит кўриниши, қиёфа. *Бир бичиқда яратилган, ўзига хос феъл-атвори бўлмаган одамлар Аҳмадда қизиқиш уйғотмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *..хуллас, турли тус ва бичиқдаги кишилар бечора, заҳматкаш санъатчилар машаққат билан қўлга киритган зафар завқини баҳам кўрадилар.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

3 *кўчма* Тузилиш, тарх; манзара. *Гулхона бичиғи.* ▬ *Ҳовлининг бичиғи Назаровга ёқинқирамади.* Ҳ. Тошхўжаев, Қийиғи чиқди.

БИЧИҚЛИК Тикиш учун бичиб тайёр қилиб қўйилган. *Бичиқлик материал.*

БИЧИҚЧИ Кийим-кечак бичувчи уста, мутахассис. *Навбатимиз яқинлашгани учун шу куни бичиқчи ҳам қабул қилиб олди.* «Муштум». *«Янги мода» салонида ҳадемай мижозларни электрон бичиқчи қабул қила бошлайди.* «Фан ва турмуш».

БИЧИҚЧИЛИК Бичиқчи касби, кийим-кечакни бичиш иши. *Бичиқчилик — жуда мураккаб, аммо завқли ҳунар.*

БИЧМОҚ 1 Кийим-кечак тикиш учун мўлжалланган материални маълум андоза ва ўлчамларда кесмоқ. *Бўйига қараб тўн бич.* Мақол. *Отанинг очган йўли бор, Онанинг бичган тўни бор.* Мақол. *Тиккан чевар эмас, бичган чевар.* Мақол. ▬ *Чол дўконхонада ўтириб, иш бичиб беради, Унсин ичкари уйда тикади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Белгиламоқ, қўймоқ, кесмоқ (нарх, иш ҳақи ва ш.к. ҳақида). *Нарх бичмоқ.* ▬ [*Даллол:*] *-Хайр бўлмаса, мен бичай.. шу бола юз тиллалик «мол» бўлса ҳам, карвонбоши бобом рози бўлсинлар, сиз олтмиш тилла беринг, — деди.* С. Айний, Қуллар. *Ўзимга ўзим ҳақ бичиб олганим йўқ-ку! Ҳаммаси қонун-қоида билан бўлган.* «Шарқ юлдузи».

3 Ахта қилмоқ. *Улоқни бичиш учун олиб бордим.*

Бировга кафан бичмоқ Бировга ўлим тиламоқ ёки ўлдиришга аҳд қилмоқ. *Душманларга кафан бичган Пиёдалар — марди майдонлар.* Ҳ. Олимжон. *Оббо, ҳали у ёқда бувим кафан бичиб ўтиргандирлар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ажал (кафан) тўнин бичмоқ** *фольк.* Ўлдирмоқ, қирмоқ. *Ажал тўнин бичайлик, Душман кўкрагидан санчайлик.* «Юсуф ва Аҳмад». *Саваш бўлса, ширин жондан кечади, Душманларга кафан тўнин бичади.* «Муродхон». **Гапга бичган** Гапга уста, сўзамол, гапдон. *-Ҳожимуқомнинг хотини. Жуда ҳам гапга бичган-да. Қофияли қилиб гапиради, — деди Нуъмонжон.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Абдишукурни худо гапга бичган, енгиб бўлмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ердан бичиб олган** Паст бўйли, жуда ҳам пакана. *У ердан бичиб олгандек пак-пакана.. хотин эди.* А. Қодирий. *Унинг [Кумушнинг] тўғри, мавзун қоматига ердан бичиб олинган мудҳиш хотиннинг қўллари зўрға етди-да, «эсонмисиз, омонмисиз, пошша қиз», деб сўрашди.* А. Қодирий,

Ўтган кунлар. **Тўн бичмоқ** *с.т.* Баҳо бермоқ. *Сояга қараб тўн бичма.* Мақол. ▬ *Кадрларнинг савлатига, сўзамоллигига қараб эмас, уларнинг ишига, истеъдодига қараб тўн бичинглар.* «Муштум».

БИЧУВЧИ *айн.* **бичиқчи.**

БИЮРҒУН 1 Шўрадошлар оиласига мансуб, шохлари жигарранг, майда баргли, паст бўйли, сершох, ярим бута.

2 Тиканак баргли, кўп йиллик чўл ўсимлиги.

БИЯ Вояга етган урғочи от. *Қулунли биядан қудуқ суви ортмас.* Мақол. *Қудаандалик жойингдан қулунли бияни аяма.* Мақол. *Алп — энадан, тулпор — биядан.* Мақол. ▬ *Аҳмад еттига кирганда, шу бия бир қулун туғди.* «Ойсулув».

БИҚ-БИҚ I *тақл с.* Қуюқ ёки суюқ нарсанинг қайнаши, қуюлиши ёки шунга ўхшаш бошқа товушлар ҳақида. *Бўтқа биқ-биқ қайнаяпти.* ▬ *Хипча бел кўзачалардан май «биқ-биқ» қуйилиб, қадаҳларни лимиллатди.* Ойбек, Навоий. *Биқ-биқ йиғлаб ўтирибди.* «Муштум».

БИҚ-БИҚ II: **биқ-биқ (бўлиб) семирмоқ** Жуда ҳам семирмоқ, ёғ битиб, биққидай семирмоқ.

БИҚИЛЛАМОҚ Узуқ-узуқ ва бўғиқ товуш чиқармоқ, биқ-биқ овоз чиқармоқ (асосан қайнаб турган қуюқ нарсалар ҳақида). *Шавла биқиллаб қайнаяпти.* ▬ *[Валижон] Вагранка ёнига келди-да, кўк кўзойнакдан биқиллаб қайнаётган металлга тикилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Биқиллаб қайнаётган булоққа, унинг четларидаги.. майин ўтларга тикилиб, хаёлга толдим.* О. Ёқубов, Аямажуз.

БИҚИН 1 Гавданинг қўлтиқдан то тос суягигача бўлган икки ён қисми. *Ўнг биқин. Чап биқин. Биқин гўшти. Текин томоқ биқин тешар.* Мақол. ▬ *У от йўрғасини, чопишини билмоқчи бўлиб, биқинига ниқтади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Яйловдаги қўзичоқларни қийратиб юрган бир оч бўрининг қоқ биқинидан уриб қулатган.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

Оч биқин Биқиннинг кўкрак қафасидан пастки қисми. *Бозорбойдек йигитнинг қўлига ўн беш червонни босиб, елкасига қоқиб қўйсанг, қўйнидан пичоғини суғуради-ю, оч биқинига битта уриб, бир кунда саранжомлаб беради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..бошидан сув қуясанми ёки оч биқинига бир-икки туширасанми, ўзинг биласан. Хуллас, кўзини мошдек очиб қўймасанг бўлмайди.* «Муштум».

2 Ҳар нарсанинг ён қисми, ён томони, ёни. *Қашқатовнинг кунботиш биқинидаги жилғада оппоқ қор ётибди* С. Анорбоев, Оқсой. *Жўрақул келганини билиб, «тигр»нинг биқинини нишонга олади.* Назармат, Жўрлар биланд сайрайди. *Ҳисор тоғи биқинидаги Тўпчоқ қишлоғининг чироқлари милтиллаб кўрина бошлаганда, йўл четига чиқиб, тормозни босди.* Газетадан.

БИҚИНИДА (*3-ш. эгалик ва ў.-п. к. қўшимчалари билан*). *кўм. взф.* Яқинида, ёнида. *Шундай биқинида ўтирган Шербек ҳам «бундан қандай гап чиқаркин?» дегандай, кўзини ундан узмай, қизиқсиниб қараб турибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Зумрад уч кун қилт этмай, ўғлининг биқинида ўтирди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

БИҚИНМОҚ *шв.* Яширинмоқ, бекинмоқ. *Содиқ темир йўл кўприги тагида биқиниб ётибди.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Турсуной опасининг этагидан маҳкам ушлаб, унинг соясига биқинди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ёмонлик қилиб қўйиб, ота-онасига кўринишдан қўрқар, уйига биқиниб кириб, биқиниб чиқар эди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

БИҚИР-БИҚИР *айн.* **биқ-биқ** I. *Шавла биқир-биқир қайнаяпти.* ▬ *Ўчоқда тезак милтиллаб ёнар, қора човгум биқир-биқир қайнарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ақл — нурдир, ақл — сувдир: ташна қолган йўловчи Жонга олур биқир-биқир қайнаб чиққан булоқни.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

БИҚИРЛАМОҚ 1 *айн.* **биқилламоқ.** *Учтўрт қадам наридаги тол тагидан биқирлаб сув қайнаб чиқяпти.* Э. Усмонов, Ёлқин. *У озроқ ўтин териб, ҳамроҳлари ёнига келганда, декчада шўрва биқирлаб қайнаётган эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Биқирлаб-биқирлаб чучвара қайнар, Завқ билан термулиб ҳавасим ўйнар.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

2 *кўчма* Кучаймоқ, авжига чиқмоқ. *Яна қаҳқаҳа самовардай биқирлаб кетди.* «Шарқ юлдузи». *Акмални кўриб, бувининг зардаси ўша супа устида турган мис самовардай яна биқирлаб қайнай бошлади.* Газетадан.

БИҚИҚ *шв.* **1** Бошқалардан ажралиб, ўзўзи билан бўлиб қолган, якка-ёлғиз ҳолдаги. *У ўзича биқиқ ҳаёт кечиришга одатланиб қолган.*

2 Нафасни сиқувчи, оғир; бузилган. *Уй ҳавоси биқиқ, ёқимсиз ҳид билан тўлган эди.*

БИҚИҚЛИК Ўзи билан ўзи бўлишлик, тор доирада ўралашиб қолишлик. *Журналистика касби бир қолипда ишлашни, ижодий биқиқликни ёқтирмайди.* Газетадан.

БИҚМОҚ: биқиб турмоқ *ёки* **ётмоқ** 1) биқиниб, бекиниб ётмоқ; 2) пистирма қўйиб, пойлаб ётмоқ. *Мард бўлсанг, ўзингни номард қилмагин, Урушли кун сира биқиб турмагин.* Фольклордан. *Бурчакда биқиб ётган чолнинг инграши эшитилиб туради.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БИҚСИМОҚ 1 Ёниб-ёнмасдан, ўчиб-ўчмасдан тутаб турмоқ. *Аёллар.. болаларини биқсиб ётган гулхан тепасига тўплайдилар.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ўртадаги ўчоқда ҳўл тўнка биқсимоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мана бу қора чироғинг ўлгур биқсиб, кўзимни кўр қиладиган бўлди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

2 Ачиб-сасиб, яроқсиз ҳолга келмоқ, сасиб кетмоқ. *Қолган-қутгани бўлса, тузлаб қўйинг, биқсиб кетмасин, ўзингизга керак бўлади.* Уйғун, Дўстлар.

3 *кўчма* Бир жойда қимирламай узоқ ётиб, нохуш ҳолга келмоқ, ётавериб зерикиб, диққинафас бўлмоқ. *-Тур болам, ётасанми биқсиб-сасиб, — дейди онаси Шавкатга.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Димиққан уйда ҳаво кўрмай, тоза биқсиди болам боёқиш, айланиб, овуниб келсин.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ўчиб кул бўлгунча, биқсиб ётавераманми?* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

4 *кўчма* Аччиқ-тирсиқ гап қилмоқ, бўлмағур гаплар гапирмоқ. *Жамоатчилик улардан ҳисоб сўрайди.. чекка-чеккаларда биқсиб юрмай, гапинг бўлса, ҳамманинг олдида очиқ гапир, дейди.* Уйғун, Замон талаби.

БИҚТИРМА 1 *сфт.* Бекитиқча, яширин, махфий. *Бандаргоҳ ерларда қушбегидан қоровул қўйилган биқтирма одамлар бор эди.* «Ёдгор».

2 *от айн.* **пистирма**. *..Асқар товнинг оёғига ўттиз минг қўшинни биқтирма ташлаб келувди.* «Юсуф ва Аҳмад».

БИҚҚА *айн.* **биққи.** *Дарвоқе, адирларда ёйилиб юрган қўйлар ҳозирнинг ўзида биққа семиз.* Газетадан.

БИҚҚАДАЙ: биққадай семирмоқ Жуда ҳам семирмоқ, ёғ битиб семирмоқ.

БИҚҚИ Жуда ҳам семиз, ёғ битиб семирган. *Бир маҳал Тўхта опа ҳарсиллаб кириб келди. Ундан қовурдоқ ҳиди келар, биққи бармоқлари мой эди.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли. *Лаълихон ўтирган жойида биққи билакларини елкасигача очиб, эсноқ аралаш керишди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Биққи семиз саман от.. бир-бир босиб келар эди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. *..совлиқ, кичик бўлишига қарамай, тахтакачдек, бозорда мунчалик биққи қўй йўқ, деса бўлади.* С. Абдулла, Соялар.

БИҒ-БИҒ *тақл. с.* Чақалоқларнинг қаттиқ йиғисига тақлид. *Биғ-биғ.. чинқираётган бола кўкариб кетди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси. *Бир кун тонгда ичкари уйдан боланинг биғ-биғ йиғлагани эшитилди* Газетадан.

БИҒИЛЛАМОҚ Қаттиқ йиғламоқ (асосан чақалоқнинг йиғиси ҳақида). *Тинчи бузилган чақалоқ биғиллаб йиғлай бошлади.* М. Мусажонов, Нозик масала. *Бола биғиллаб йиғлар, Мунира эса бунга эътибор бермасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Биғиллаб кулмоқ Роҳатланиб, завқланиб кулмоқ. *Сўйлоқ биғиллаб кулди.* «Шарқ юлдузи».

БИҲИШТ [*ф.* بهشت — жаннат] *кт. айн.* **беҳишт, жаннат 1**. *Биҳиштдаги ҳурга ўхшаш жасадинг.* «Эрали ва Шерали». *Биҳиштда икки гул бор, Бириси бўлмагай — сан.* «Оқ олма, қизил олма».

БИҲИШТИ [*ф.* بهشتی — жаннатга мансуб, жаннатий] Узумнинг ўртапишар винобоп тури ва шу узумдан тайёрланган май. *Бир бош биҳишти.* ▬ *Ўктам бир шиша «биҳишти» очиб, кичкина пиёлаларга қуйди.* Ойбек, О.в.шабадалар.

БЛАНК [*фр.* blanc — оқ], **бланка** Графаларининг бўш, очиқ қолган ўринларини керакли вақтда тўлдириш учун мўлжаллаб босмахонада нашр этилган тайёр варақа, босма иш қоғози (сўровнома, хат-ҳужжат ва ш.к.). *Анкета бланкаси.* ▬ *Машинистка тушлик чоғида, сувоғи кўчган лабларини ремонт қилиб бўлиб, бланкани тўлгазди.* «Муштум». *Зумрад.. бланкага ёзилган хатга тикилди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Телеграмма бланкасига хунук ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар ёзилган эди..* «Шарқ юлдузи».

БЛЕФАРИТ [*юн.* blepharon — қовоқ] *тиб.* Қовоқ четлари (қирғоғи)нинг яллиғланиши.

БЛИНДАЖ [*фр.* blindage – қалқон, ғов, тўсиқ] *ҳарб.* Уруш майдонида ерни чуқур қилиб қазиб, йўғон ходалар, бетон ва тупроқ билан мустаҳкамланган ҳарбий истеҳком. *Тепа ёнбағирлари ҳам гўё жангчиларни бомба ёки снарядлардан сақлайдиган блиндажлар учунгина яратилгандек.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Блиндажлар, окопларда найзабозлик жанги бошланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Душман бомбаси шундай блиндаж устига тушди.* Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим.

БЛОК I [*ингл.* block*, фр.* bloc – ёғоч, тўсин] **1** Гардишида занжир, арқон, тасма ўрнатиладиган нови бўлган, ғилдирак шаклидаги энг содда юк кўтариш механизми, мосламаси. *Қўзғалмас блок. Қўзғалувчи блок.* ▬ *Механика фанида эса блок, винт, пресс, парма каби содда механизмлар атрофлича таҳлил қилинган.* «Фан ва турмуш».

2 Бирор нарсанинг яхлит бир қисми. *Бетон блок. Мармар блок. Керамик блок.*

3 Бинолар ва иншоотларда айрим бўлма, хона; бинонинг маълум қисми. *Тунларнинг бирида хотинлар блокининг орқа томонидаги симларни қирқиб, бир юз етмиш икки кишини тоққа қочиришни мўлжаллашади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Ракета яратишда иштирок этган конструкторлар нима қилишга ақллари етмай, ўз блокларидан бошларини чиқариб, бўйсунмаётган ракетадан кўзларини узмас эдилар.* Газетадан.

4 *тех.* Механизм, иншоот ва ш. к. нинг бир неча бир хил қисмларини ўзига бириктирган йирик қисми. *Цилиндрлар блоки.*

5 Бирор нарсанинг бир ўрами. *Бир блок сигарет.*

БЛОК II [*фр.* bloc – бирлашма] **1** Айрим давлатлар, партиялар, ташкилотлар ёки кишилар гуруҳининг бирор умумий мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун доимий ёки вақтинчалик тузилган иттифоқи; коалиция. *Ҳарбий блок. Сиёсий блок.* ▬ *Бу ерда блокларга қўшилмаган давлатлар координация бюросининг навбатдан ташқари мажлиси тугади.* Газетадан.

БЛОКАДА [*ингл.* blockade – қамал; қуршамоқ] **1** *ҳарб.* Душман эгаллаб турган ҳудуднинг айрим қисмини ёки ҳаммасини қуршаб олиш, қамал қилиш; муҳосара. *..уруш йилларидаги уч йиллик блокада Ленинград ҳимоячиларининг иродасини синдира олмади.* Газетадан.

2 *сиёс. иқт.* Бирор давлатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан яккалаб қўйишга, унинг бошқа давлатлар билан алоқасини узишга, қўйилган талабларни қабул қилдиришга қаратилган сиёсий, иқтисодий ва молиявий тадбирлар тизими. *Иқтисодий блокада. Сиёсий блокада.*

3 *тиб.* Касалликни даволашнинг бирор аъзо ёки система фаолиятини вақтинча тўхтатишдан иборат бир усули. *Юрак касалликларидан бўлган блокадада томирнинг уриш сони жуда камайиб кетади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

БЛОКНОТ [*фр.* bloc-notes: bloc – бирлашма; гуруҳ + notes – хатча; қайдлов] Ён дафтарча, қўйин дафтарча. *Шербек ёнидан блокнот, қалам олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Зиёда кўк муқовали блокнотини дам у чўнтагига, дам бу чўнтагига солар, дам варақлар.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЛУЗА [*лот.* pelusia – Мисрнинг Pelusium шаҳри номидан олинган] Кўйлак бичимидаги белбоғсиз кенг устки иш кийими.

БЛУЗКА [*р.*] Хотин-қизларнинг енгил материаллардан тикилган, юбка ёки шим билан кийиладиган кўйлакчаси.

БЛУМИНГ, блюминг [*ингл.* blooming – қуйма пўлат хомашё] *тех.* Темир ёядиган юқори қувватли прокат стани.

БО I *шв.* **1** Яна, тағин. *Еганинг ёғ, ичганинг кўк чой. Бо нимага хафа бўласан?* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил. *Бо шикаста шўрман, қайда бораман, Ўғилсизга ўғил, қизсизга қиз бўламан.* «Муродхон».

2 *унд.с. взф.* «Э», «бе» тарзида инкор, эътироз маъноларини ифодалайди. *«Бо худо, ўрда бекачи бўлса ўзига», дедим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бо.. Ўзи-ку саҳарда ишдан келди. Уйқуни бузиб, табриклашга чиққанини қара?* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Бо-о, энди шунинг ҳам ташвишини тортиб, ўйлайсизми?* С. Нуров, Нарвон. -*Бо-о худо! Аммангга ҳам амал тегиб қолган.* Ҳ. Назар, Бир туп ғўза.

БО II [*ф.* با – биргаликни, алоқадорликни ифодаловчи олд кўмакчи] *кўм. айн.* **билан**. -*Ота, бу синглим,* – *табассум билан деди Йўлчи,* – *қишлоқдан олиб келганимни эшитгандингиз. Бойникида яшашини маъқул кўрмадим.* – [*Шокир ота*:] *Яхши қилибсан: «Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс».* Ойбек, Танланган асарлар.

БО- [*ф.* با – бирор-бир сифатга, белгига эгаликни, унинг борлигини билдирувчи префикс] *айн.* **ба.**

БОА [*лот.* boa – илон] *зоол.* Бўғма илонлар оиласига мансуб заҳарсиз улкан илон. *Боа териси жуда юқори баҳоланади, ундан кўнтери саноатида фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

БОАДАБ [бо.. + адаб] *юқ. усл.* Хулқ-одоби яхши; тарбия кўрган, одобли. *Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз етти иқлимда ҳам топилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болаларнинг туйғун, меҳнаткаш, боадаблигидан эр-хотин ниҳоятда хурсанд эдилар.* С. Зуннунова, Олов.

БОБ [*а.* باب – эшик, дарвоза] **1** Китоб, асар ва ш. к. нинг маълум тугалликка эга бўлган ҳар бир қисми, фасли. *Романнинг боблари. Диссертациянинг боблари.* ▬ *Бу жанг варақасини тилга кирита олган ёзувчига ҳар бир сатр улкан жангнома учун бир боб бўлаверади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Романнинг бир неча боби ёзилгандан кейин, ўзим ҳам сизга ўхшаб, қаҳрамонимнинг қилаётган ишларига шубҳалана бошладим.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Али Мешкобчи хусусида аввалги бобларда сўз айтган эдик.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Давр, саҳифа. *Терим машинасида қизларимиз руль олиб, ғалаба китобида оча олди янги боб.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

3 Ҳар хил йўл, усул. *Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан.* Мақол. ▬ *Дод деганда, эшитмаймиз сўзини, Ҳар боб билан ўярмиз икки кўзини.* «Нурали».

4 (*3-ш. эгалик ва ў.-п.к. к. қўшимчалари билан) кўм. взф.* Соҳасида, борасида, масаласида. *[Муҳаммад] Илму ҳиммат бобида Арастудан сўнгра устоди соний бўлиб, Ал-Форобий номи билан мушарраф эди.* А. Мухтор, Чинор. *Ул (бойнинг) қизи ҳусн бобида яккаю ягона эди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз. *Севги ҳақидаги фикрларим ҳам бутунлай ўзгарган, негаки қизлар бобида анча омадим юришганди.* «Ёшлик».

БОБАРАКОТ [бо.. + *а.* برکات – роҳат, ҳузур; дуо, самовий инъом] Худо сийлаган, муборак. *Сизнинг ҳузурингизга йўлланмиш ушбу зоти бобаракотнинг арзини эшитсангиз ва ул кимсанинг аталари қабри тошига тўрт қатор ашъор ёзиб берсангиз.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ул зоти бобаракот бошчилик қилаётган ҳарбий ташкилот истаган кунда ғазавот туғини кўтариб чиқа олади, иншоолоҳ.* К. Яшин, Ҳамза.

БОБИЙ [*ф.* بابی – бобийлик асосчиси Сайид Али Муҳаммад Боб номидан] *тар.* Бобийлик мазҳабидаги киши. *Бўлмаса, бобийман денг-чи, китобларим жадид-мажид китоблари денг-чи..* А. Қодирий, Кичик асарлар. *..бобийлар ҳам худога ишонурлар.* «Муштум».

БОБИЙЛИК *тар.* 1848–1852 йилларда Эронда шиачилик ичида вужудга келган, ислом динини тафтиш қилишга интилган, оммавий антифеодал қўзғолонларга бошчилик қилган диний мазҳаб. *Ер эгалари, шоҳ зулмига қарши қаратилган йирик халқ қўзғолонлари бобийлик байроғи остида кўтарилган.* «ЎзМЭ».

БОБИЛЛАМОҚ Овози борича бақириб, лаби-лабига тегмай гапирмоқ. *Замира то мақсадини тушунтиргунча бўлмай, кампир бобиллай кетди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

Бобиллаб бермоқ Овози борича бақириб уришиб бермоқ, койимоқ. *-Одам ҳам шунақа бўладими, қаёқларда юрибсиз? – Назокат бобиллаб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кокила лаби-лабига тегмай бобиллаб берди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

БОБИНА [*фр.* bobine – ғалтак] *тех.* Тўқимачиликда ип, тола, лента ва шу кабилар ўраладиган ғалтак.

БОБМА-БОБ Бирор бобини қолдирмасдан, ҳар бир бобини бирма-бир. *Китобни бобма-боб ўқиб чиқмоқ. Романни бобма-боб ҳикоя қилиб бермоқ.*

БОБО [*ф.* بابا – ота; бува; оқсоқол] **1** Отанинг ёки онанинг отаси (набирага нисбатан). *Бобонинг тол эккани – ўзига ном эккани.* Мақол. ▬ *Бобом бургут боқиш билан менга қарадилар.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бола бобосини икки-уч кун кўрмай ичикиб қолган.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 (*фақат кўпл. шаклида*) Ўтмишда яшаб ўтган қариндош кишилар, аждодлар. *Агар Бобур мирзо Самарқандни тезроқ эгалламасалар, боболардан қолган салтанат бегона сулола илкига ўтиб кетгусидур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Боболардан сўзладим, аммо Бир зот борким, баридан суюк.* А. Орипов, Юртим шамоли.

3 Ҳурмат юзасидан қариялар номига қўшиб ишлатилади. *Мурод дарров туриб,*

Ҳожи билан сўрашди ва назокат билан унга жой кўрсатди: -Келинг, Ҳожи бобо! Кўринмайсиз, келмайсиз? А. Қаҳҳор, Йиллар. *Ўтар бобонинг отаси Гадойниёз бобо ҳам хон табиби эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қолаверса, ўзимизнинг шоир бобомиз Бобораҳим Машрабнинг ҳақ, ҳақиқат, адолат ҳақидаги.. ғазалларини ким билмайди?* К. Яшин, Ҳамза. *Раис бобо уларнинг ёнгинасига келиб, отдан тушди, тўриқ йўрғани ўз ҳолига қўйиб, дастурхон ёнига ҳорғин чўкди.* Н. Фозилов, Дийдор.

4 Азиз-авлиёлар номига қўшиб ишлатилади. *Шайх Зайниддин бобо. Занги бобо.* ▬ *Хизр бобо қўлингни баланд қилсин.* У. Исмоилов, Сайланма.

5 *тар.* Ўтмишда Бухоронинг катта даҳаларини назорат қилувчи бош миршаб унвони.

6 *фольк.* Оқсоқол, отахон. *Камбағаллар Тоғайни бобо кўтарган эди. У камбағалларга бош бўлиб турган эди.* «Рустамхон».

7 Бобо (эркаклар исми).

Қор бобо, қорбобо 1) одамнинг қордан ясалган шакли ва болаларнинг шу билан боғлиқ ўйини. *Болалар катта қилиб Қор бобо ясашди;* 2) арча байрамида қиш рамзида ясанган (оқ пўстин ва оқ қалпоқ кийган) ва янги йил байрамларини қиздирувчи киши. *Бирдан эшик очилди, Кириб келди Қорбобо.* З. Диёр, Асарлар.

БОБОВ *бол.* Кучук; ит. *Болаларни шайтонлардан қўрқитмангиз, Бобов келди, деб кўрпага беркитмангиз. То улғайиб, дуч келганда «бобов»ларга, Ўхшамасин итдан қўрққан соқовларга.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

БОБОДЕҲҚОН 1 Деҳқончилик касбининг устаси, моҳир, тажрибали кекса деҳқон. *Далаларда ҳаёт қайнайди, бободеҳқоннинг қўли қўлига тегмайди.* Газетадан. *Ўзбекистонда боғ-роғлар яратган менинг бободеҳқонларим эканлар-да.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ўрта Осиё халқлари орасидаги ривоятларга кўра, деҳқончилик ҳомийси, пири. *..экин экиш, ўриш-йиғиш вақтида «Бободеҳқон қўлласин» деб айтилади.* «ЎзМЭ».

БОБОЙ *с.т.* **1** Қари киши, чол. [*Йўлчи:*] *Бобойнинг сўзларига тош ҳам эрийди. Сиз одамсиз-ку!* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана ҳозир бобойнинг чақасини олдим, кетаман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бобой дуо қилди, дегин.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Қарияларга бир оз кибр аралаш мурожаат шакли. *Бардаммисиз, бобой?* Ойбек, Танланган асарлар.

БОБОЙИ *бот.* Бир хил ўрик нави. *[Ўрикнинг] Қандак, исфарак, субхони, хурмойи, мирсанжали, муллагадойи, бобойи.. сортлари яхши туршак беради.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

БОБОКАЛОН [*ф.* باباکلان – энг катта бобо] **1** Бобонинг отаси, катта бобо (эварага нисбатан). *Манави мадрасада бобокалонимиз мударрис бўлганлар.* М.М.Дўст, Лолазор. *Қишлоқнинг энг бадавлат, энг мўътабар кишиси бўлган Махсумнинг бобокалони Ғойиб отани Ҳазрати султоннинг муриди бўлган деган нақл бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 (*фақат кўпл. шаклида*) Ўтмиш отабоболар, аждодлар. *Бобокалонларимиз дўстликни тириклик суви деганлар.* Газетадан. *Бобокалонларимиз етти хазинанинг бирига сигирни ҳам қўшганлар.* Газетадан.

3 *кўчма* Улкан вакил, улкан сиймо, асосчи. *Ёдгор бахши уста Қулай ўғли Қўрғон достончилик мактабининг бобоколонидир.* «Гулистон». *Садриддин Айний.. тожик ва ўзбек адабиётларининг бобокалон арбоби сифатида танилди.* Газетадан.

БОБОКЕНТ [бобо + *суғд.* кент – қишлоқ] Қадимий қишлоқ, ота-боболардан қолган қишлоқ. *Ўша бобокентимсан, девзот бобомсан; Оҳ нечоғлик суюксан, соз, дилоромсан.* Миртемир, Асарлар.

БОБОМЕРОС [бобо + мерос] Ўтмиш ота-боболардан, аждодлардан қолган моддий, маънавий бойлик. *Ўзининг бобомерос мулки ҳисобланмиш Самарқандни икки марта забт этади ва икки мартасида ҳам қўлдан беради.* Газетадан. *Чол қишлоққа қайтишдан аввал.. қишлоқдошларим мана шу бобомерос ҳовлимда оёқ узатиб, бандаликни бажо келтиришимга рози бўлишса, деган қарорга келди.* «Ёшлик».

БОБОТИЛ, бобо тил Бир қатор тилларнинг илк манбаи деб ҳисобланувчи ва қиёсий-тарихий текшириш йўли билан тикланиши мумкин бўлган қадимий тил. *..туркий тиллар, хусусан ўзбек тили, олтой бобо тилидан бошланади.* «ЎзМЭ».

БОБОТОҒ Қадимий ва улуғ тоғ. *Гужум маддасидек қўлларинг қадоқ, Бироқ бobотоғдек қадди тик, мардсан.* Миртемир, Асарлар.

БОБОЧЎПОН Чўпонлик касбининг устаси, устоз чўпон. *Манман деган бобочўпонлар эрталабдан бошлаб топган-тутганини кўтариб, бу ерга кела бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БОБОЧИНОР Қадимий ва кекса чинор. *Бобочинор уйғонар чўчиб, таниб қолар илонларни, оҳ.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

БОБР [*р.* бобр – қундуз] *зоол.* Кемирувчилар туркумининг бобрсимонлар оиласига мансуб, сувда яшашга мослашган ҳайвон, сув қундузи. *Бобрлар кечаси ва шомда фаол ҳаёт кечиради, қишда фаоллиги камаяди.* «ЎзМЭ».

БОБРИК [*р.* бобр – қундуз] Жуда пишиқ қилиб тўқиладиган, қалин тукли мовут. *Бир пальтолик бобрик. Бобрик пальто.* ▬ *Бири хушмўйлов, устида янги бобрик пальто, бошида қулоқчин.* «Муштум». -*Кийим бозорга кириб, қундуз ёқалик бобрик пальтоларга харидор бўлиб кўраман, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БОБУНА [*ф.* بابونه – мойчечак, ромашка] *айн.* **мойчечак**.

БОБСЛЕЙ [*ингл.* bob-sleign – тоғдан сирпаниб тушиладиган бошқарувли чана] *спрт.* **1** Тоғ (баландлик)дан махсус жиҳозланган трасса – қия бурилишлари бўлган музлама новдан шиддат билан тушишга мўлжалланган, яхлит металлдан ясалган чана.

2 Шундай чаналарда тоғ (баландлик)дан шиддат билан тушиш.

БОБУРИЙЛАР [Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидан] 1526–1858 йилларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган сулола ва унинг вакиллари. *Бобурийлар сулоласи. Бобурийлар империяси.*

БОБУРШУНОСЛИК Фаннинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини илмий тадқиқ қилувчи соҳаси. *Ўзбек бобуршунослиги. Бобуршунослик соҳаси. Жаҳон бобуршунослиги.* ▬ *«Бобурнома»нинг янги, мукаммал нашри маданий меросимизни ўрганиш ишига, бобуршуносликка қўшилган муҳим ҳиссадир.* Газетадан.

БОВ *с.т. айн.* **боғ** I, II. *Мўрча кўйлак кийдим, бовин бойламай, Ёрга ваъда бердим, сўнгин ўйламай.* «Қўшиқлар».

БОВА *шв. айн.* **бобо 1**. *Бизнинг бир бовамиз бўлардилар. Ҳеч тинчимаган.* «Ёшлик». *Шайх бова, мен бекорчиликни ёмон кўраман.* С. Сиеев, Ёруғлик. *Холчучукнинг отаси Юсуф бова ном чиқарган чавандоз.* «Саодат».

БОВАР [*ф.* باور – ишонч]: **бовар қилмоқ (*ёки* этмоқ, айламоқ)** Ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ. *Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсам ҳам, сўнгдан тўғри сўз айтганларини билдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бовар этдинг сўзларимга, она, онажон, Жаннат руҳин туймоқдаман суҳбатингизда.* А. Орипов. *Дуогўйинг ўзим, Бовар айла менинг сўзимга.* «Нурали».

Ақл бовар қилмайди Ақл ишонмайди, ақлга сиғмайди. *Пўлат дадасини сира-сира эсдан чиқармасди, унинг ёрқин сиймоси кўз олдида гавдаланарди-ю, ўлганлигига сира ақли бовар қилмасди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Бир одам мунча ишга қодир бўлишига ақлим бовар қилмайди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

БОВЛИҚ *шв.* Ўрилган ғалла, пичан ва шунга ўхшашларни боғлаш учун ўсимликлар поясидан эшиб тайёрланган ип. *Бовлиқ эшар эдим бир кун пичанда, Ҳамла қилиб қолди чинқироқ илон.* А. Орипов. *Ўроқчининг қўлида бовлиқ турар, Қўй ичида ирғалиб совлиқ турар..* «Оқ олма, қизил олма».

БОВУЖУД [*ф.* باوجود – таниқли, машҳур] *эск. кт.* Шунга қарамасдан, шундай бўлса ҳам. *Фақир неча муддатлар бўлдиким, назм айтурга табиати ланж эрдим. Бовужуд бир ёзув назм пашшаларни шаънига айтиб эрдим.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар. *Бовужуд, Ҳоким тўранинг ўзлари ғайридин бўлатуриб, шу зиндиқларнинг чулчитлигини билиб айтган эканлар.* Ҳамза.

БОВУР *шв. фольк.* **1** Бағир, жигар; дил, кўнгил. *Ўйнашгин, кулишгин ёшлик давringга, Ҳақ муяссар қилади қордай бовринга.* «Гулихиромон». *Сени кўриб, болам тушди ёдимга, Бола деб жигарим-боврим куядир.* У. Пўлкан, Бир баҳор достони.

2 *кўчма* Қариндош, фарзанд. *Шундоқ ажиб юртсан, жон Қозоғистон, Қардошим, қурдошим, бовурим азал!* А. Орипов. *Ҳаммамиз қўнғиротнинг бовурларимиз.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

БОВУРДОШЛИК Қариндошлик, туғишганлик. *Бовурдошлик мундоқ бўлибди, Кўнгли эгриларнинг кўзлари куйсин.* Миртемир, Асарлар.

БОВУРЧИ, бавурчи *тар.* Ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда подшоҳ (хон)нинг баковулдан кейин турувчи хусусий ошпази. *Овқат тайёрлаш вақтида бовурчилардан бошқа ҳеч ким подшоҳ ошхонасига киритилмаган.* «ЎзМЭ». *Бовурчи қўлида паринг юлдирар.* «Юсуф ва Аҳмад».

БОД I [*ф.* باد – ҳаво оқими, шамол] *кт.* Шамол, ел. *Чархим қургай айланади бод билан, Мени ёрим ошна бўлди ёт билан.* «Қўшиқлар». *Эй бод, еткур ёра саломим.* Машраб.

Боди сабо Тонгги шамол. *Арзимни айтай боди сабоға, Шояд гапиргай ул гул қабоға.* Муқимий. *Қиз бахтини кутар боди сабодан. У – заифа, ожиз эмиш, лол эмиш.* «Муштум».

БОД II [*ф.* باد – шиш, яллиғланиш] Бўғин ва мушакларнинг яллиғланиши (ревматизм, радикулит ва ш. к. касалликлар). *..эски дарди қўзиб, белининг боди тутиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Сал совуқ тушди дегунча, жонини эговлайдиган бод касали туфайли айвонга ҳам чиқолмай қоларди.* «Ёшлик».

БОД III *бот.* Дарахтнинг бир хил тури. *Боғнинг ичида.. япроқлари ёнғоқникига ўхшаш, меваси гилосни эслатадиган бод дарахти ўсяпти.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

БОД IV Танда (ўриш) ипларининг бирбирини кесиб (мингашиб) турган жойи.

БОДА [*ф.* باده – шароб, вино] Май, ичкилик, шароб. *Бодани ақлингдан ғолиб этмагил.* Мақол. ▬ *Алишер Навоий яшаган даврда эса май, бода ва ҳар хил мева шарбатлари истеъмол қилинган.* «Фан ва турмуш». *Иккови ҳам бир қадаҳдан бода ичгандек, атрофдаги нарсаларни кўрмас эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Арғувон(ий) бода 1) қизил рангли бода. *Қўлимда порлайди арғувон бода.* «Гулдаста»; 2) кун ботиш пайтидаги самовий қизиллик. *Қуйди уфқнинг пиёласига Арғувоний бодасини шом.* «Ёшлик». **Висол бодаси, ишқ бодаси** Муҳаббат, висол завқи, лаззати. *Эътибор бўлса агар – илтижосиз бўлмагай, Севадир, ишқ бодасин бир куни тутса сенга.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим. *Майпараст этди Ҳабибийни висолинг бодаси.* Ҳабибий, Девон.

БОДАПАРАСТ [*ф.* بادهپرست – бодани яхши кўрувчи, майхўр] Ичкилик (май) ичишни яхши кўрувчи; майпараст, майхўр. *Бугун биз, ошиқлар, ошуфтаю маст, Санамлар кўйида хўп бодапараст.* У. Хайём, Рубоийлар.

БОДАФУРУШ [*ф.* بادهفروش – бода, май сотувчи] *поэт.* Май (ичкилик) билан савдо қилувчи, ичкиликлар сотувчи. *Жонимга наво етди-ю, кўнглумға хуруш Бир журъа била, муғбачаи бодафуруш.* Навоий.

БОДАХЎР [*ф.* بادهخور – майхўр] Май, шароб ичувчи. *Табиҳи риё бирла амомангдин, аё шайх, Чин бодахўринг хум била паймонаси яхши.* Ҳамза. *Бодахўр эшон.. улфатлари билан май ичишиб ўлтирган экан.* Чустий, Кезгувчи бодахўр эшон.

БОДБЕЗАК [*ф.* بادبیزک – шамолпаррак, елпиғич] Кулолчиликда лаганлар ичига кўк, сариқ ва қорамтир-қизил бўёқлар билан солинадиган, парраксимон (елпиғичга ўхшаш) нақш.

БОДИ [*ф.* بادی – шамолга оид; димоғдор, кеккайган] **1** Ёмон, беадаб сўзлар айтувчи. *Боя анови боди қизни бопладим-а?* «Ёшлик». *Қамар раиснинг учирма гаплари жонига тегар, асабини бузар эди. Гоҳо нозиксан дейди, гоҳо бодисан дейди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

Оғзидан боди кириб, шоди чиқмоқ Жуда ҳам беадаб гаплар гапирмоқ; одоб доирасига сиғмайдиган сўзлар билан сўкинмоқ. *Қачон кўрсанг, тараллабедод, хурсанд, хушчақчақ, сал айниса, оғзидан боди кириб, шоди чиқиши бор.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Арзимаган нарсага оғизларидан боди кириб, шоди чиқади. Сўкишларига одамзод чидаб туролмайди.* «Муштум».

2 *кўчма с.т.* Мақтанчоқ, манман. *Аҳмадвой жуда боди-да.*

3 Шахснинг лақаби сифатида қўлланади. *Холиёр бодидек безорини қонига белаган шу хотин Мамат қассобдан ҳайиқармиди?* «Ёшлик».

БОДИБИЛДИНГ [*ингл.* bod-building – тана тузилиши] Мускулларни ривожлантириш мақсадида тренажерларда бажариладиган атлетик машқлар тизими. *Бодибилдинг билан шуғулланмоқ.*

БОДИЁН [*ф.* بادیان – арпабодиён, анис] *айн.* **арпабодиён.** *Қишлоқ аҳолиси укропни кўпинча шивит, бодиён деб аташади.* Газетадан. *Ижозат берсинлар, камина қуйруқ мойи, қўзи эти ва пиёзни қўшиб, мурчу бодиён била димлаб пиширай, мазаси меҳмонларнинг оғзида қолсин.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

БОДИЛАНМОҚ *шв.* Мағрурланиб, беадаб бўлиб кетмоқ. *Мўминбой укангиз таъбимни кўп хира қилди, ука.. Бача шаҳарга бориб, бодиланиб кетибди. Дўқ уриб, бир хат ёзибди денг..* «Ёшлик».

БОДИЛИК Ўзини юқори олиб мағрурланишлик; беадаблик. -*Бу оригиналлик эмас, бориб турган бодилик, маҳмадоналик, Ғайбаров, — деди Соқол.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш. *Ўпкангни бос. Кўп бодилик қилаверма.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

БОДИЯ I [*а.* بادیه – саҳро, чўл] *эск. кт.* Саҳро, чўл, биёбон.

БОДИЯ II [*а.* بادیه – катта мис коса] Таги баланд, қирғоғи тик, катта сопол идиш (лаган). *Бодия.. Хоразм кулолчилигида қадимдан кенг тарқалган.* «ЎзМЭ».

БОДОМ [*ф.* بادام – бодом] **1** Атиргуллилар оиласига мансуб, сермой мағзи истеъмол қилинадиган дарахт. *Олмадан бодом бўлмас, тагги паст одам бўлмас.* Мақол. ▬ *Бодом минг йиллардан бери халқ табобатида шифобахш бўлган ўсимлик сифатида машҳур.* М. Набиев, Бодом.

2 Шу дарахтнинг меваси (данаги). *Аччиқ бодом. Бодом ёғи. Одам — одам билан, писта — бодом билан.* Мақол. ▬ *Меҳмонларга.. писта, бодом, қуруқ мевалар жуда мўл-кўл тортилди.* Ойбек, Навоий. *Жажжи муштчаларига бодомми, ёнғоқми қисиб олган.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Абдишукур бодом-писта чақиб, аччиқ чой ичиб, яйраб ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бодом гулли Гули бодом шаклига ўхшаган. *..бодом гулли лас кўйлагини липпасига қистириб, рўмоли бўйнига тушиб ётибди.* А. Мухтор, Кумуш тола. **Бодом (гулли) дўппи** Бодом нусха гуллари бор дўппи. *Мен бекасам тўн кийиб, бошимда бодом дўппи, Садаға бўлиб кетай ғалаба қадамига.* Ғ. Ғулом.

БОДОМЗОР Бодом дарахтлари экилган ер; бодом боғи. *Бодомзорда отим яйраб, ўтлаган дам, Ўша ўғлон куйлар эди шўх шеърлар.* Газетадан.

БОДОМИЙ *бот.* Меваси бодомга ўхшайдиган серҳосил, жайдари ўрик нави.

БОДОМСИМОН Бодом шаклига ўхшаш (кўз ҳақида). *Табиат Маҳмудадан хотин-қизларга хос латофатларини аямаган: қийғоч қошлар, бодомсимон қийиқ кўзлар, хумор кўзлар..* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

Бодомсимон безлар *анат.* Ташқи кўриниши бодомга ўхшаш безлар. *Дифтерия микроблари кўпинча томоқдаги бодомсимон безларда бўлади.* «Анатомия».

БОДОМОЙ Хоразмда кенг тарқалган, асосида учта бодом шакли ва ой тасвири бўлган мураккаб шаклли яхлит тақинчоқ. *Қулоқларида бодомой — арабак сирға, сийнасида зеби гардон, манглайдўзи эса пайваста қошларини парвоздан сақлашга қўйилган соқчидек шай турибди.* С. Сиёев, Аваз. *Давлатбегим тиллақошни олиб, яна у [Бибигул]нинг пешонасига танғиб боғлади. Ундан сўнг икки чаккасига бодомойни осди.* Мирмуҳсин, Чўри.

БОДОМЧА I *тиб.* Организмни ҳимоя қилиш жараёнларида қатнашувчи, ҳалқумда жойлашган, бодом шаклли лимфасимон тўқималар мажмуи. *Маълум ёшдаги болаларда томоқдаги бодомча безлар яллиғланиши, қулоқ оғриши мумкин.* Газетадан.

БОДОМЧА II *бот.* Раънодошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб сершох ва сертикан бута.

БОДОМҚОВОҚ Кўз қовоғи бодом шаклида бир оз дўппайган; шундай қовоқли одам. *..ёш бир жувон.. беллари хипча, бодомқовоқ.. ўн саккиз ёки ўн тўққиз ёшлардаги гўзал бир малак.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Унинг бодомқовоқлари остидаги кичик қора кўзлари қандайдир ноз ва эҳтирос билан ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Умидим бор, оларман, албатта, бодомқовоғимни.* «Нигор ва Замон». *Ёр қўлида мис товоқ.. Ўйнасин бодомқовоқ.* «Оқ олма, қизил олма». *Ўзим айланаман бодомқовоқдан, Миннатдорман ёрим берган сабоқдан.* «Қўшиқлар».

БОДПАРРАК [*ф.* باد – шамол + پرّک – пат; учувчи] *шв.* Варрак, варварак.

БОДПО(Й) [*ф.* بادپا(ی) – шамолдан тез, югурик, йўрға] *фольк.* Елиб тез юрадиган, учқур, чопқир (от, туя ҳақида). *Шу дарёдан ирғир кунинг, Эй қиблагоҳимнинг бодпойи.* «Нурали». *Остида ўйнайди бодпой.* «Нурали». *Сўзгинангдан йўловчини кулдиргин, Бодпой туя миниб, ўзинг елдирган.* «Юсуф ва Аҳмад».

БОДРАМОҚ 1 Бўртиб, қаппайиб чиқмоқ; бўртиб, қаппайиб турмоқ. -*Анови ўтирган — эрим, — Марьяна Ефимовна томирлари бодраб чиққан, ғадир-будир, озғин қўлини рамка томонга чўзди.* С. Анорбоев, Дўстлар.

2 Дувиллаб, тошиб чиқмоқ. *Бир лаҳзада пешонасига бодраб тер чиқди.* С. Анорбоев, Меҳр.

Бодраб очилмоқ Лўппи-лўппи бўлиб, шиға очилмоқ, текис очилмоқ. *Кенг майдонлардаги кўм-кўк кўсаклар ўрнини бодраб очилган оппоқ пахталар эгалламоқда.* Газетадан. *Осмон тўла юлдуз пахтаси бодраб очилган пайкалга ўхшайди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

БОДРЕЗАК [*ф.* بادریزک – бодрезак, калина] Шилвидошлар (учқатгуллилар)га мансуб сарғиш гулли бута ва унинг еб бўладиган аччиқ қизил меваси. *Қуёшнинг илк нурлари.. бодрезак, бойчечакнинг зумрад баргларини олис-олисларга элтувчи даракчи ҳамдир.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бу бодрезакнинг торткилашидан озурда баргнинг шитирлашими ё зарғалдоқ қанотларидан чиққан сасми, билмадим.* «Ёшлик».

БОДРИНГ [*ф.* بادرنگ – бодринг] Қовоқгулдошлар оиласига мансуб, бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ейишли ҳосили. *Барра бодринг. Тузланган бодринг.* ▬ *-Ўрмонжон акамга яқин одам экансиз, – деди хотин бодрингни карсиллатиб тишлаб, – ёмон одам бўлмасангиз керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Олтиариқнинг бодринги, Қуванинг ҳандалаклари Найман томонларга ҳам келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бодрингни ёғлиқ, гўштли овқатлар билан ейиш катта аҳамиятга эга.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

БОДРОҚ Қиздирилган қумда ёки электр асбобда қовурилган ва оппоқ пахтадек бўлиб бодраб очилган жўхори (овқат ўрнида). *Сара бодроқ.* ▬ *Олағовур бозор. Бақириқ-чақириқлар: -Кеп қолинг, сара бодроқ.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

Бодроқ-бодроқ гулламоқ Дувиллаб, лўппи-лўппи бўлиб очилмоқ. *Супа пастидаги ўриклар бодроқ-бодроқ гуллаган.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Бодроқ-бодроқ бўлиб гуллаган дарахт олдида турганида, одамнинг юзига ҳеч боққанмисиз?* А. Мухтор, Асарлар.

БОДРОҚЧИ Бодроқ қовуриш ва сотиш билан шуғулланувчи шахс.

БОДРОҚҚАНД Сирти шакар билан ундан бодроққа ўхшатиб ясалган, ичига мағиз ёки нўхат солинган ширинлик.

БОД-ҲАВО *жуфт с.* Табиат, шароит, обҳаво. *Шарофат Капсанчилар қишлоғининг бод-ҳавоси, «бирам чиройлик» тўқайлари, дарёси тўғрисида гапириб туриб, Канизакнинг кўзига қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БОЁВ *с.т.* Содда, соддадил; гўл. *Кундошингнинг кўриниши боёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Янгангиз боёвлик қилиб, ҳамма гапни айтиб қўйибди.* «Муштум».

БОЁВУТ *этн.* Қадимий ўзбек қабила, уруғларидан бири.

БОЁК [*р.* боек – ургич; мухра] **1** *ҳарб.* Отиш қуролларининг ўқ, снаряд пистонига урилиб, уни чақнатадиган қисми.

2 *тех.* Буғ болғаларининг ишлов берилаётган деталга зарб билан урилиб, уни тегишли шаклга киритадиган қисми.

БОЁН [*ф.* بایان – бойлар] Бой; бойлар. *Боёнларимизнинг бари ҳушёр. Ақли бўлгани учун бой бўлган-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳовуз теварагидаги аъёну боёнлар нақшинкор устунни қучоқлаб турган султондан кўзларини узолмас, улар гўё илон сеҳрига илинган бақалардай жой-жойларида серрайиб қолишган эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

БОЁНА *эск.* Бойларга хос; бойлардек, бойларча. *Боёна тўн.*

БОЁҚИШ Ачиниш уйғотувчи ҳолатли, бечора, шўрлик. *-Отанг боёқиш чарчаб, бўлганича бўлди, – деди она.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Боёқиш кўп яхши одам эди; инсофли, ҳамиятли эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Боламга кўз тегдими, билмайман. Болам боёқиш нотинчроқ бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

БОЖ [*ф.* باج – ўлпон, бож, солиқ] **1** *тар. эск.* Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида савдогарлар, ҳунармандлар ва б. лардан олинадиган солиқ. *Шош аҳли, тамомий фуқаро божни ўз вақтида тўлаган.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Қорахитойлар қувилганидан сўнг, шаҳар маҳкамаси биз ҳунармандларни бож билан қисиб қўйди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Золимлар оларкан элатдан божин, Ёзиб кундан-кунга нафс қулочин.* «Тоҳир ва Зуҳра».

2 Четдан келтирилган мол учун олинадиган, расмий равишда белгиланган ҳақ. *Бож тўламоқ.* ▬ *Сарой дарвозаси ёнида божхона бўлиб, чет эл молларидан бож олинарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ажнабий савдогарлардан озмунча бож.. тушади, деб ўйлайсизми?* М.

Осим, Карвон йўлларида. *Аваз карвонларнинг молидан бож олганида Авазни таниб олган.* «Нурали».

Бож тарифи Давлат чегараси орқали ўтадиган товарлардан ундириладиган божлар ставкалари мажмуи.

3 *кўчма* Бирор нарса, воқеа, ҳолат учун кетадиган ҳақ, бадал. *Тошга тегар, синар дил, Юрак қони тўлар бож.* Миртемир, Асарлар. *Орзуларим олтин тожи, Менинг жоним шунинг божи.* «Бойчечак». *Ҳаёт шундай мўъжизаки, Қанча жабрин тортсанг оз. Ўлим эса унинг учун Арзимас бождир, холос.* А. Мухтор, Асарлар.

БОЖА Опа-сингилларнинг эрлари (бир-бирига нисбатан). *Божа божага бўз бермайди, сўз беради.* Мақол. ▬ *Ғуломжон унинг [Ашур Мирзонинг] божаси уста Баҳромдан парталарнинг қандай ясалишини сўраб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БОЖАЧИЛИК Ўзаро божалик муносабатлари. *Салом берган эдим, у худди ўртамизда божачилик бордек, менга ўқрайиб туриб: -Мирзақандмисан? – деб сўради.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

БОЖГИР [*ф.* باجگیر – бож олувчи, солиқ тўпловчи] *тар.* Бож олувчи, йиғувчи; бож ундириш лавозимига эга шахс; божхона ходими, божмон. *Ўн икки қопқадан, ўн икки йўлдан Божгирга пул тўлаб кирган карвонлар.* Шайхзода, Тошкентнома. *Биз Бухоро ичига қараб бир оз юрган эдикки.. қўлида катта фонуси бор, рўдапо тўн кийган бир киши фойтунимизни тўхтатди. У амир Бухоронинг «божгири» экан.* С. Айний, Эсдаликлар.

БОЖДОР [*ф.* باجدار – бож олувчи] *айн.* **божгир.** *Биров – бождор, Биров – тождор.* Мақол.

БОЖМОН [*ф.* باجبان – божхона ходими] *тар. айн* **божгир.** *Биотехнологияга, ёввойи ўрдакларнинг ёш жўжаларини сотиб олиш, шунингдек, божмонларга иш ҳақи тўлашга тўрт минг сўмга яқин маблағ сарфланган.* Газетадан. *..буйруққа мувофиқ балиқ овлаш тақиқланганини божмонларнинг ўзлари ҳам инкор этмайдилар.* Газетадан.

БОЖРАЙМОҚ *фольк.* Бақраймоқ, бақрайиб қараб турмоқ. *Божрайган кўзи қурсин, Ёнаштирма асло бунда.* «Ҳасанхон».

БОЖ-ХИРОЖ, божу хирож [бож + хирож] *тар.* Турли-туман солиқ ва тўловлар. *Учирди бошидан Хисравнинг тожин Ва лекин сўрмади божу хирожин.* Ҳабибий, Девон. *Девонхонага шаҳар бож-хирожига мутасадди бўлган бир амалдорни топиб келтирдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БОЖХОНА [бож + хона] Бож олинадиган жой, идора, пост. *Сарой дарвозаси ёнида божхона бўлиб, чет эл молларидан бож олинарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Хуллас, ВТЭКни ўзининг божхонасига айлантирди.* «Муштум».

БОЗ I [*ф.* باز – яна, тағин] *эск. кт.* Яна, тағин; бунинг устига. *Оз сўзлаган боз сўзлар, Боз сўзлаган соз сўзлар.* Мақол. ▬ [*Гули*:] *Йўқ асло! Бўлмасин қурбон Алишер, Қўйинг, эл булбули боз сайрасин оз!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Касал ўғил, хотин, боз худо берган уч набира. Ҳаммаси шу чолга қарам.* Ойбек, Танланган асарлар.

Боз устига Бунинг устига, устига устак. *Боз устига қурувчилар дарёни тўсишга киришдилар.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Боз устига уфқ ҳам оч бинафша тусда эди.* «Саодат». *Отаси қариди, боз устига касалманд.* С. Сиёев, Аваз.

БОЗ II [*ф.* باز – қирғий, лочин] *шв.* Лочин, қарчиғай. *Ўрдак ўзини ғоз санар, Чумчуқ ўзини боз санар.* Мақол. ▬ *Сен-ку бор экансан, шунқорим – бозим, Фалакдан иноят менга не лозим.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

БОЗБАНД, бозубанд [*ф.* بازوبند – билагузук; тумор; билакка боғланган нарса] Билакдан юқорига, бўйин ёки қўлтиққа осиб юриладиган заргарлик буюми, аёллар безаги. *Мис бозбандга эришолмай йиғлаган кўкрак нишон тақди.* У. Носир, Юрак. *Ўзинг дуохон эшонга ўтакетган ихлосманд бўлиб, ҳаммадан илгари туморгина эмас, катта бозбанд ҳам олиб тақиб юрганинг ҳолда, шаккоклар қаторида зиндонда чириб ётибсан-ку!* С. Айний, Дохунда.

БОЗБАРАК *шв. айн.* **бодпарак.** *Чеҳралари ширин болакай Учиради оппоқ бозбарак. Хаёллари – беҳад самодай, Хаёллари – оппоқ бозбарак.* «Гулистон».

БОЗГЎЙ [*ф.* بازگوی – қайта, яна айтиш] Шашмақом ва бошқа йирик мусиқа асарларининг такрорланадиган ҳамда ўзгармайдиган нақарот қисми.

БОЗИ I [*ф.* بازی – ўйин; эрмак, ҳазил] Ўйин, эрмак. *Зўр бозилар қилишали, Ким зўр экан, билишали.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Бача-бача*

бози, Ким қора қози, Ким ўйинга чиқмаса, Бўйнига тош-тарози. «Бойчечак».

БОЗИ II [*ф.* بازو – билак, қўл] **1** Эшик, деразаларнинг уст, ост ва ён томонларига қўйиладиган материал, кесаки.

2 Уй деразасининг атрофидаги деворга ганч ёки алебастрдан қавартириб ишланган ва деразага чирой бахш этувчи ҳошия.

3 Бешикнинг икки ёнига устма-уст ўрнатиладиган иккитадан тўртта ёғоч қисми.

БОЗИГАР [*ф.* بازیگر – моҳир ўйинчи, артист] *айн.* **бозингар**. *Ҳиндистон азалдан бозигарлар, афсунгарлар макони.* «Гулистон».

БОЗИЛЛАМОҚ 1 Боз-боз, виз-виз овоз чиқармоқ, визилламоқ.

2 *кўчма* Жуда ҳам қизимоқ, исимоқ. *Бозиллаган танча жонига ором берди.* Мирмуҳсин, Умид. *Печкага олов ёқди. Хона ичи бирпасда бозиллаб, исиб кетди.* М. Муҳиддинов, Инсон мадҳи. *Саратон чилласининг ҳар бир куни тандирдан янги узилган нондек бозиллайди.* «Саодат».

3 *кўчма* Қизимоқ, ловулламоқ; ғазабланмоқ. *..кунлар ўтган сари юраги бозиллайди, наҳотки энди улар билан қайтиб кўришмасам, деган гумондан вужуди ларзага тушди.* С. Сиёев, Аваз. *Авазнинг сал бурун айтган густохона сўзлари шайхнинг юмшоқ дилини бозиллатиб турарди.* С. Сиёев, Аваз.

БОЗИНГАР [*ф.* بازیگر – моҳир ўйинчи, бозигар] **1** *эск.* Ўйинчи, раққос, раққоса.

2 Кўзбойлоқчи, афсунгар. *Уни билсанг, жуда бозингар, айёр, Кўп айёрлар бўлолмайди баробар.* «Гулшанбоғ». *Бора-бора айланиб қолдим Бозингарнинг қўғирчоғига.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

3 Айёр, туллак одам ҳақида.

БОЗИРГОН, бозургон [*ф.* بازرگان – савдогар, тижоратчи] *эск. кт. айн* **савдогар**. *Савдогарлар юрар мояли, норли, Бозиргон савдоси кумушли, зарли.* «Хушкелди». *Тушибон кўп бозиргоннинг қўлига, На ишлар айладинг тоғнинг чўлига.* «Эрали ва Шерали».

БОЗОР [*ф.* بازار – бозор; савдо растаси] **1** Аҳоли савдо-сотиқ қиладиган махсус жой, майдон. *Отанг – бозор, онанг – бозор.* Мақол. *Ақл бозорда сотилмас.* Мақол. ▬ *Юрт бой бўлса, унинг бозори ҳам тўкин бўлади.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Бир айланиб келай, деб Қува бозорига чиқдим.* С. Аҳмад, Уфқ.

Бозор қилмоқ 1) бозордан у-бу нарсалар олмоқ, харид қилмоқ, харж қилмоқ. *Сиддиқа бозор қилгани кетди.* С. Зуннунова, Кўзлар. *Нусратбек икки кун эрталаб ўзи билан тўрва олиб кетиб, ишдан кейин бозор қилиб келди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди; 2) шовқин-сурон қилмоқ, тўполон кўтармоқ.

2 Шундай жойда савдо-сотиқ қилинадиган кун. *Ойда-йилда бир бозор, униям ёмғир бузар.* Мақол. ▬ *Бугун бозор бўлгани учун Ёдгор кеч уйғонди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қўяверинг, бугун бозор-ку, бирпас дам олсинлар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бозор(и) касод Талаб бўлмаган, ўтмай қолган нарса, мол ҳақида. *-Аммо, – давом этди Гуландом, – бозор касодлигиданми ё иши яхши унмаганлигиданми, дадам тўқувчиликдан ёлчимади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бозор куни** *айн.* **бозор 2.** *Бозор куни, одам қалин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бозор кўтармайди** 1) бу нархга бозорда ҳеч ким олмайди; 2) *кўчма с.т.* бошқаларга ёқмайди, ҳеч ким тингламайди. *..ишхоналарда, айниқса кўпчилик билан муомала қилинадиган жойларда ..дағаллик ва майнавозчиликларни бозор кўтармайди.* Т. Алимов, Илжайинг, асакангиз кетмайди. **Бозор нон(и)** Сотиш учун тайёрланадиган махсус нон нави. *Ҳаял ўтмай, бир чойнакда кўк чой, сири кўчган патнисда тўртта бозор нони кўтариб келди Қудрат.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Бозор қайтди** Бозор вақти тамом бўлиб, бозорчилар қайтадиган вақт. **Бозорга солмоқ** 1) молни сотиш учун бозорга олиб кирмоқ, харидга қўймоқ. *Гаждумбек бозорга борса, Ҳамза бир қулни бозорга солиб турибди.* «Гўрўғли». *Эрта барча холойиқлар келади, Қули, чўрисини бозор солади.* «Нурали»; 2) *кўчма* диққатни жалб қилиш учун бирор нарсани кўз-кўз қилмоқ, айлантириб, кўрсатиб юрмоқ. *Бозор қизигандан кейин, отни миниб, у ёқ-бу ёққа чопиб, қамчилаб, сакратиб ўйнатиб, бозорга сола берди.* «Ҳасанхон». *Ўз ишини битириш учун тўйғуларини бозорга солишдан toймайди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Бозори чаққон** 1) харидори кўп бўлган, тез ўтадиган мол, нарса ҳақида. *-Марғилонда газмол билан пойабзалнинг бозори чаққон, – деди Ҳомид.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *«Туркистонда ўрик бозори чаққон экан, сотиб келай», деб баҳона қилдим.* С.

Сиёев, Ёруғлик; 2) *кўчма* эҳтиёж катта, талабгорлари кўп бўлган. *Имомликнинг бозори чаққон бўлиб кетганидан бизга ўхшаш ўртача аҳли илмларга шафқат кўзи билан боқувчи бўлмай.. қолган эди.* Ғайратий, Довдираш. *Табибнинг бозори чаққон ҳовлисида камдан-кам бўлар экан.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Бозори ўтмади** 1) бозорда ўтмай, сотилмай қолди; 2) *кўчма* ўзига ёки гапига тарафдор чиқмади; номери, ҳийла-найранги ўтмади. **Бозор(ини) олмоқ** *ёки* **бозор қилмоқ** Бозорга бориб, савдо-сотиқ ишларини битириб келмоқ. *Бозорингни ўзинг қил, тегирмонингни ўзинг торт!* Мақол. ▬ *Кеч билан бозорни олиб, сомон сотиб қайтган туячининг туясига иккита-иккита мингашиб, чопон бозорга қараб йўл солдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола. **Борига бозор** *айн.* **борига барака** *қ.* **барака**. **Ўзини бозорга солмоқ** *салб.* Ўзини элга кўз-кўз қилмоқ. *Агар севгининг нималигини билсангиз, юзингиздаги пардани йиртиб ташлаб, ўзингизни бозорга солиб ўтирмас эдингиз, Жўрахон!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Лоф уриб, ўзини бозор солармиʼ? Лоф билан қўлидан бир гап келарми?* «Алпомиш».

3 *кўчма* Ғала-ғовур, чуғур-чуғур, шовқин-сурон, шўхлик ҳолати. *Болали уй — бозор, боласиз уй — мозор.* Мақол. ▬ *Бугун дала шийпонида бозор бўлди. Ҳамма сиздан дарғазаб, раисликдан туширмоқчилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Мунира туғруқхонадан чиққан куни уй бозор бўлиб кетди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тонг ёришиб, гужумларда қушлар бозори бошланган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 *иқт.* Сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айирбошлаш муносабатлари. *Жаҳон бозори. Ташқи бозор. Ички бозор. Бозор ислоҳотлари. Бозор хўжалиги.* ▬ *Бозор иштирокчилари товар ва хизматларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан муносабатларга киришадилар.* «ЎзМЭ». *Дунё бозорида териларимизнинг нархи тушмаса дейман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

Бозор иқтисодиёти Товар-пул муносабатларига асосланган, турли мулкчиликка ҳамда иқтисодий эркинликка таянган ва рақобат асосида тартибга солиб туриладиган демократик иқтисодиёт. **Бозор мувозанати** Бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркиб жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши.

5 *кўчма* Тақдир, қисмат. *Изинда жўраси кўрмакка зордир, Маъшуқлик деганинг қизиқ бозордир.* «Қўшиқлар». *Қурилганда ишқ савдонинг бозори, Ўйнаб-кулиб шу кун турса дилдори.* «Эрали ва Шерали».

6 *кўчма* Бирор ҳаракат ёки фаолиятнинг ҳаддан ошиши, авжига чиқиши, қизиши. *Ўлим бозори* (уруш). *Гап бозори.* ▬ *Феруза билан Норқўзининг тўйи овоза бўлгандан бери «Меҳнат — роҳат» қизларининг гап бозори қизиди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Хуросон мамлакатида ўлимнинг бозори қизиб, хароб бўлган бинолар устида бойқушлар сайрашга киришди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Ажалнинг бозори шундай қизиди, Қизил қонга тулпор отлар тўзиди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Базми жамшидларда, кўнглим тиламаган давраларда, сафсата бозорларида кунларим тамаки тутунидай кўкка учди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

7 Бозор, Бозорхон (эркаклар ва аёллар исми).

БОЗОРБОН [*ф.* بازاربان — бозор қўриқчиси] **1** Бозор қоровули.

2 Бозорнинг бошлиғи, раҳбари. *Ҳар юртнинг матоин қув бозорбонлар Жойлаб қўяр экан, ўтказиб қўлдан.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

БОЗОРБОП Бозор суядиган, харидор ёқтирадиган; бозоргир, тезкетар. *Бозорбоп мол.* ▬ *Улар бебозор кунлари шаҳардаги магазинларни кезиб, бозорбоп молларни тўплайдилар.* Газетадан. *Катта участканинг тевараги ва саҳни бозорбоп экинлар билан банд эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

БОЗОРБОШИ 1 Бозорнинг асосий, бош қисми, майдони. *Бозорбоши тим бўлди, кесак отган ким бўлди.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *айн.* **бозорком.** *Оёғида ғирч этик Юриши бозорбоши.* «Оқ олма, қизил олма».

БОЗОРГИР [*ф.* بازارگیر — бозорда олинадиган, харидори бор] *айн.* **бозорбоп**. *Бозоргир молимиз бўлмагандан кейин нима билан савдо қиламиз?* Газетадан. *Пахта тер деса, кучи етмасмиш-у, савдогарчилик қилишга, арзонга сотиб олган бозоргир маҳсулотини кўтаришга бели оғримасмиш..* «Муштум».

БОЗОРГОН [*ф.* بازارگان — сотувчи, савдогар] *айн.* **бозиргон.** *Бизни сотгандилар шум бозоргонлар, Оқ пошшо, кўк пошшо, бек, зодагонлар.* Миртемир, Асарлар.

БОЗОРИ [*ф.* بازارى – бозорга оид] **1** Бозорда сотиш учун мўлжаллаб тайёрланган; бозорбоп ёки бозордан келтирилган. *Бозори атлас.* ▬ *Кигиз устидаги тугунга кўзи тушди, очса, сирли тоғорада ош, икки шиша арақ, нон, бозори кулчалар.* «Ёшлик». *Водил – қадимдан бозори қишлоқ.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Бозорда ўтирувчилар, сотувчилар. *«Нохудшўрак» байтини ўқуғонсиз.. у кимларни кулдирмаган.. уйқу босқон бозорилар ўқуса ҳам кулади.* А. Қаҳҳор, Ким нимадан завқ олади?

БОЗОРКОМ, бозорқўм Бозор қўмитаси ва унинг раҳбари, бошлиғи; бозор бошқарувчиси. *Шу иши эвазига бозоркомдан маош олади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *-Бўпти, эртага эсга солинг, бозоркомга телефон қиламан, – деди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Бу йигитни магазин мудиридан тортиб.. бозоркомгача ҳамма танийди.* Газетадан.

БОЗОРЛАМОҚ Бозор қилмоқ, бозорга бориб келмоқ, бозорни айланмоқ. *Ҳамсоямиз Қулмат полвон бозорлаб келди. Девордан бўйлаб, нарх-навони сўрадим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Майизни орқалаб, бозорладим. Ярим букилиб, «пўшт, пўшт» деб бордик.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

БОЗОРЛАШМОҚ *с.т.* Бозорга бориб айланиб, томоша ёки савдо-сотиқ қилиб келмоқ. *-Йўл бўлсин? -Бир бозорлашиб келайлик!*

БОЗОРЛИК 1 *айн.* **бозори 1**.

2 Бозордан савдо-сотиқ қилиб, қайтишда олиб келинган совға. *Элликбоши хуржунини кўрсатиб: -Мана буларни Мирзо бериб юбордилар, жанобларидан бозорлик экан [деди Ойша холага].* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *..ўша ердаги* [*кўкнорихонадаги*] *ғарибғураболарга мендан бозорлик бўлсин учун уч пақирга ярим қадоқ пашмак ҳалво олиб, такяга қараб кета бошладим, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БОЗОРЧИ 1 Савдо-сотиқ эҳтиёжи билан бозорга келган киши, бозорда кўп юрувчи. *Шаҳарда очлар ва хайр сўровчилар кўпайган эди. Улар хайр сўраб чўзган қўллари билан дўкондорларни ҳам, бозорчиларни ҳам, самоварлаги чойхўрларни ҳам безор қилардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кундузи бозорчиларнинг ғала-ғовуридан чарчаган Бухоро сукунат қўйнида ором олмоқда.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи, бозор-ўчарни яхши биладиган одам. *Мен билан яшайдиган кампир бозорчи хотин эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бозор куни бу шаҳарга кирайин, Мен ҳам бозорчининг бири бўлайин.* «Интизор».

БОЗОРЧИЛИК 1 Бозорга хос муомалалар, қоидалар, расм-русм ва ш. к.

2 Бозорчи касби. *-Бозорчилигимиздан номус қиламан, – Дадавой ака унга [Лобарга] эгилиб, аста гапирди.* Ҳ. Ғулом. Тошкентликлар.

БОЗОРШАБ [*ф.* بازارشب – кечки бозор] Тунги бозор, тунда ишлайдиган бозор. *Ҳар йили рамазон ойида бозоршаб, яъни тунги бозор бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Масхарабоз ва қизиқчилар, асосан, турли мазмундаги оилавий тўйларда.. зиёфат, базмларда, бозоршаб ва гап-гаштакларда ўйин кўрсатардилар.* М. Қодиров, Халқ актёрлари.

БОЗОР-ЎЧАР Бозор, савдо-сотиқ ва улар билан боғлиқ бўлган икир-чикирлар. *У [Бек ака] савдо-сотиқ, бозор-ўчарга аёлни аралаштирмас, ирим қиларди.* С. Нуров, Нарвон. *У киши ишлай қолсин, деб бозор-ўчарга югуртирмадим.* С. Нуров, Нарвон. *Ахир, сиз ҳам бундай туриб, кўчага чиқсангиз, одамлардай бозор-ўчар қилсангиз-чи!* «Ёшлик».

БОЗУБАНД *айн.* **бозбанд.** *-Ўнг елкамда тамғам бор, ўнг билагимда бозубандим бор, – дебди.* «Зумрад ва Қиммат».

БОЗУРГОНИЙ [*ф.* بازرگانى – бозорчи, савдогар] Мумтоз ашулалардан бири (тахминларга кўра «Бозиргон» достони қаҳрамони номи асосида пайдо бўлган).

БОИС [*а.* باعث – сабаб] **1** Сабаб, асос. *Бунинг боиси нима?* ▬ *Рисолат хола бўйнини қисиб, ўзининг ҳам бу сирнинг боисидан бехабарлигини билдирди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Зубайда бунинг боисини суриштиришдан ўзини сақлаб, унга ҳайрон бўлиб қараб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Боис (эркаклар исми).

БОЙ I **1** Мол-дунёси, давлати, бойлиги кўп; бадавлат, давлатманд. *Бой одам. Фақир пиёда юрар, Бой – туяда.* Мақол. *Чоракор чораклаб олар, бой акам – ботмонлаб.* Мақол. ▬ *Хўжайиннинг дадаси катта бой эди, мол-мулкни беҳад йиққан эди.* Ойбек, Танланган

асарлар. *Ёшлигимда бойлар эшигида қароллик қилганман.* Газетадан.

2 Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам, ҳеч нарсадан камчилиги, муҳтожлиги йўқ; тўкис, бадавлат. *Юрт бой бўлса, унинг бозори ҳам тўкин бўлади.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Биз бой эканмиз, деб қазилмаларнинг кулини кўкка совурдик.* «Фан ва турмуш».

3 (*кўпинча ж.к.даги сўз билан*). Таркибида, бағрида керакли ва фойдали нарсалар кўп, мўл. *Темирга бой руда. Ери бойнинг эли бой.* Мақол. ▬ *Ўзбекистон замини ҳам маъданларга бой.* «Фан ва турмуш». *Булар ҳам доривор моддаларга бой, ҳам озуқабоп ўсимликлардир.* «Фан ва турмуш». *Жийда гулининг атирга бой ҳиди уфуриб турибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

4 Бирор нарсаси, жиҳати, хусусияти етарли даражада, тўла-тўкис, бекаму кўст. *Бой тил. Бой тажриба. Бой кутубхона.* ▬ *Отаси ўзининг бой кутубхонаси билан бежиз фахрланмасди.* К. Яшин, Ҳамза. *Искандаро ҳавас ва таажжуб билан биноларга, бой жиҳозларга, айниқса нозик санъат буюмларига, эшик ва деразаларга назар ташлаб қўярди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ўтган ҳар бир кун серзавқ, сермазмун, турли воқеаларга бой бўлди.* Газетадан. *Унинг хотираси ҳайратда қоларли даражада бой ва тиниқ эди.* Газетадан.

5 (*одатда эгалик қўшимчалари билан*) *с.т. шв.* Эр; турмуш ўртоғи. *Бойим уйда йўқ эдилар. Оч киши мой танламас, қари қиз бой танламас.* Мақол. ▬ *Айланайин бойимдан, Кишноқи шу тойимдан.* «Бойчечак». *Ман билдим: аммамнинг бойи ўлибди, Билсанг, аммам есир бўлиб қолибди.* «Интизор».

6 Бойларга мурожаатда ёки улар ҳақида сўз борганда, уларнинг номи ўрнида ёки номига қўшиб ишлатилади. *Бой ота! Бу гапни бир айтдингиз, яна қайтиб гапирманг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Хушхабарлар мана энди жанобингиздан бўлади-да, бой почча.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Ниҳоят, ичкари ҳовли эшиги тарақ этиб очилиб, Миродилбой кўринди.* У. Исмоилов, Сайланма.

7 Киши исмининг таркибий қисми бўлиб келади: *Болтабой, Тешабой, Жўрабой.*

Бой касал Ўзи оғир бўлмаса-да, парвариш талаб қиладиган ёки шундай парвариш учун баҳона бўлган касаллик; шундай касалликка учраган одам. *Дард деган нарса анойи беморни топса, танасидан чиқмай ўтириб олади. Шунинг учун ҳам оғриғининг тайини йўқ беморларни «бой касал» дейишади.* «Муштум».

БОЙ II: **бой бермоқ** 1) ютқизмоқ, маҳрум бўлмоқ (ўйинда, ишда, курашда, турмушда). *Бой берилган ишга пушаймон бўлишдан фойда йўқ.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Менинг бой берадаган нарсам йўқ, акаси, бой бериб бўлганман.* А. Мухтор, Асарлар; 2) бекор ўтказмоқ, зое кетказмоқ, қўлдан бериб қўймоқ. *Қулай фурсатни бой бермоқ.* ▬ *Шу ғанимат пайтни бой берсак, пахта ҳақида ўйлашнинг ҳожати ҳам қолмайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қандай тўғри келса, шундай яшашлик — умрни бой беришликдир.* Газетадан. **Сир(ни) бой бермоқ** Махфий нарсани ёки заиф томонларини билдириб қўймоқ. *Сир бой бердинг — бош бой берма.* Мақол. ▬ *Бўтабой энди қўрқиб кетди, лекин.. сир бой бермади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У сал оғринди, лекин сир бой бермади.* М.М.Дўст, Лолазор.

БОЙБАЧЧА *айн.* **бойвачча**. *..Ҳотам Тойга ўхшайди бойбаччаси.* «Гулнорпари».

БОЙБИЧЧА, бойбича *айн.* **бойвучча.** *Бойбиччалар тўйда бўлар, Хизматинда чўри бўлса.* «Оқ олма, қизил олма». *Болали, чақали бўлгин, Мисқолжон, Чамбил элга бориб бўлгин бойбича.* «Гулнорпари».

БОЙ-БОЁНЛАР Давлатмандлар, бойлар, ҳоким кишилар. *Халққа ҳақиқатни ким тушунтиради? Ҳамма амалдорлар, бой-боёнлар бу ҳақиқатни халқдан яширадилар.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

БОЙБУВА Бой, бадавлат кекса; бой бобо. *Олдин бир ўзи бўлса, тўйдан кейин бойбуванинг хизматини икки кишилашиб қилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Тоғда қулон изи бор, Қумда қуён изи бор, Бойбуванинг уйида Нортуядек қизи бор.* «Оқ олма, қизил олма».

БОЙ-БЎЙ *унд. с.* Ҳайронлик, ҳайратланиш ҳиссини ифодалайди. *Бой-бўй, одам деган ҳам шу қадар мукаммал бўладими?* А. Муқимов, Донишманд.

БОЙВАЧЧА [бой + *ф.* بچه — бола, фарзанд] **1** Бойнинг боласи, фарзанди. *Таниди: Мирзакомилбойнинг ўғли Миробид бойвачча.* Т. Ашуров, Оқ от. *Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бой гапирсин-у, бойвачча гапирсин.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бой ўғли — бойвачча, Оёғида — нўғайча.* «Бойчечак».

2 Бойларнинг болаларига мурожаатда ёки улар ҳақида гап борганда, уларнинг номи ўрнида ёки номига қўшиб ишлатилади. *Янги касб қуллуқ бўлсин, бойвачча!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сизни танимади чоғи, бойваччам, акс ҳолда, саломлашар эди, у жуда дилкаш йигит.* К. Яшин, Ҳамза. *Содиқжон бойваччанинг чангалига тушган қизнинг кимлигини билгиси келди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қосимжон бойваччанинг итлари, мени танийди. Маҳ, Тўрткўз, маҳ!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

3 *кест.* Ўзини бой боласидек тутувчи. *Ёнида бир пул йўқ, Қиз сайлайди бойвачча.* Мақол.

БОЙВАЧЧАЛИК Бойвачча мавқеи; бойваччаларга хос ҳаракат, қилиқ. [*Тўлахон ўз-ўзига:*] *Мен кичкина гўдакми, алданиб? ..Бойваччалигидан менга нима фойда?* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Давлат маблағи ҳисобига бойваччалик қилишга чек қўйиш лозим.* Газетадан.

БОЙВУЧЧА 1 Бойнинг хотини ёки қизи; бой хотин. [*Оқилжон:*] *Пулингизни ишлатаман, ер-сув қиламан, сиз бойвучча хотин бўлиб давру даврон сурасиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бойвуччанинг қизил лаби қаймоқлансин деб, Илк саҳардан оқшомгача пода боқасан.* Ғ. Ғулом.

2 *с.т. эск.* Уй бекаси; хотин. *Бойвуччам бир ёққа кетган эдилар* (эр киши ўз хотини ҳақида).

БОЙДОҚ *тар. айн.* **байдоқ 2.** *Шаҳарда мўғул бойдоқлари ғалаёнчиларга зарба беришга журъат эта олмадилар.* «Ёшлик». *Бойдоқ-бойдоқ бундан лашкар борибди.* «Алпомиш».

БОЙЁНҒОҚ Ёнғоқнинг бир хил нави. *Ариқнинг нари юзида бойёнғоқ тагида иккита бўйра, бир шолча ёзиғлиқ турибди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

БОЙЗОДА Бойнинг боласи, фарзанди; бойлар насли, авлодига мансуб. *Ота-бола мардикорлик қилишди, она эса бой уйида чўри: кир ювади, ҳовли супуради, бойзодаларни кўтаради.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Давлатингдан шоли-шолпар киярсан, Ўзингдай бойзода бўлса тиярсан.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

БОЙИМОҚ 1 Мол-дунёси, бойлиги кўпаймоқ; бойлик орттирмоқ, давлатманд бўлмоқ. *Суқ тўймас, ўғри бойимас.* Мақол. *Ёлғончи ёлчимас, ўғри бойимас.* Мақол. ▬ *Мирза бойигандан бойиб кетди.* «Ёшлик».

2 Таркибида бирор фойдали нарса миқдори кўпайиб, сифат жиҳатидан яхшиланмоқ. *Руда маълум ишловдан кейин анча бойийди.*

3 Тўлмоқ, эга бўлмоқ, мукаммаллашмоқ. *Кутубхонамиз янги китоблар билан бойиди.* ▬ *Кунлар севимли ҳунар йўлидаги интилиш ва машғулотлар билан ўтиб, қиз ҳаёти янги воқеа, янги мазмун билан бойиб борди.* С. Абдуқаҳҳор, Галия Измайлова. *Ҳар гал бу тафсилот янгидан-янги сўзлар ва ташбиҳлар билан бойиб боради.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БОЙИТМОҚ Бойимоқ фл. орт н. *Рудани бойитмоқ. Кутубхонани бойитмоқ.* ▬ *Анвар.. ҳар кимнинг уйида бўлган янги гуллардан кўчат ва уруғ олиб, йилдан-йилга гулзорни бойитди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Меҳнат ҳаёт чироғига ёғ қуяди, тафаккур уни бойитади.* Газетадан.

БОЙИТИЛМОҚ Бойитмоқ фл. мажҳ. н. *Бойитилган руда. Витаминлар билан бойитилган озуқа.* ▬ *Республикамизда кўплаб боғча ва яслилар барпо этилди, уларнинг жиҳозлари бойитилди.* «Фан ва турмуш».

БОЙКЕН *бот.* Совуққа чидамли, меваси оч-сариқ, эти оқ, серҳосил олма нави.

БОЙКОТ [*ингл.* boycott – англиялик катта ер эгаси Ч.К.Бойкот (Boycott) номидан] Алоҳида шахс, ташкилот ёки давлатни назар-эътибордан четда қолдириш, яккалаб қўйиш мақсадида у билан муносабатларни тўлиқ ёки қисман тўхтатишдан иборат сиёсий ва иқтисодий кураш шакли. *Бойкот эълон қилмоқ.*

БОЙЛАМ I *айн.* **боғлам.** *Қиз чиқар боғдан: қўлида бир бойлам ранго-ранг чечак.* Р. Бобожон, Танланма. *Чўғдай ёниб турган атлас бойламини кўриб, Пошша холанинг қувончи ичига сиғмай кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БОЙЛАМ II *тиб.* Организмдаги аъзоларни бир-бирига улаб ёки уларни ушлаб турувчи пишиқ, букилувчан, чўзилувчан ҳамда таранглануvчан тўқимадан иборат тузилма.

БОЙЛАМОҚ *с.т.* Боғламоқ. *Ҳамма беклар салом бериб кўришиб, Отларимиз иззат минан бойлади.* «Юсуф ва Аҳмад». *Уйда бўлсанг, чиқиб отим бойлагил.* «Ойсулув».

БОЙЛАНМОҚ *айн.* **боғланмоқ.** *Кела қолса менинг ёрим айланиб, Душманларнинг тили қолар бойланиб.* «Қўшиқлар». *Икки*

томоннинг келишувидан сўнг фотиҳа қилиниб, қизнинг боши бойланди. «Муштум».

БОЙЛАШМОҚ Бойламоқ фл. бирг. н. *айн.* **боғлашмоқ.** *Бас бойлашиб, эрта азонда далага чиқсангиз, ҳаммадан аввал Жапаройни кўрасиз.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Биз, фарғоналиклар.. хоразмликлар билан шарт бойлашган эдик, — деди отахон Гулчеҳрага.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

БОЙЛИК 1 Бой бўлишлик, бой мавқеи; мол-мулкнинг йиғиндиси, мажмуи; мўллик. *Ота бойлиги ерга сингар, Меҳнат бойлиги — элга.* Мақол. ▬ *Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам.. нима учундир, бойлиги билан бўлмай, «Ҳомид хотинбоз» деб шуҳратланган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳовли саҳнига, айвонларга «сеп» ёйилди. Сепнинг бойлиги, тури, ранг-баранглиги ҳаммани ҳангманг этди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йирикроқ тошлар ҳукмронлик ва бойлик ифодаси саналган.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Дунё, давлат, мол-мулк. *Муҳаббат бойликка боқмас.* Мақол. *Рўзғор ўлчов билан, Бойлик тежов билан.* Мақол. ▬ *Ўн олти минг қўй, икки ярим минг йилқи ҳазилакам бойлик эмас.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бойлик бор жойда самимийлик ўрнини сохталик эгаллайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Табиий, моддий ресурслар мажмуи. *Ер ости бойликлари. Моддий бойликлар. Табиий бойликлар. Қазилма бойлик.* ▬ *Эндиликда Ўзбекистон улкан табиий бойликлар, кўпдан-кўп ноёб саноат маҳсулотлари ватанидир.* «Саодат». *Ўлкамиз табиий бойликларини ўрганиш.. ишига нуфузли олимларимиз салмоқли улуш қўшмоқдалар.* Газетадан. *Эндиликда инсониятга зарур моддий бойликларнинг учдан икки улуши аёл қўли, аёл ақлзаковати билан яратилади.* Газетадан.

4 Ақлий, руҳий, маънавий фаолият ҳосиласи, мажмуи. *Миллий бойлик. Маданий бойлик. Маънавий бойлик. Ақлдан ортиқ бойлик йўқ.* Мақол. ▬ *Тарихий ва маданий ёдгорликлар — бизнинг миллий бойлигимиз, чексиз фахримиздир.* Газетадан. *Халқ ўз тилини энг улкан миллий бойлик сифатида асраши керак.* Газетадан.

БОЙЛОВ *шв. фольк.* Молни боғлаб боқиш, семиртириш усули. *От бойловда семирар, Қўй ҳайдовда семирар.* Мақол. ▬ «*Оқ олтин»имиз бир миллион тонна бўлганда, Тарлонни бойловга ташладим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Хабарини топган бандага Бойловда моли суюнчи.* «Оқ олма, қизил олма».

БОЙПАРАСТ Бойларга хушомад, мулозамат қилувчи, бойларнинг содиқ мухлиси. *Бошқа бир хавф унинг [Гулнорнинг] кўз олдида яна даҳшатлироқ гавдаланар эди: онасининг таъбирича, бойпараст ота бир кун тўсатдан: -Бой отам фалон одамни маъқул кўрдилар, эрта тўй, фалон кун никоҳ, тайёрлигингни кўравер, хотин! — деса, у нима қила олади?* Ойбек, Танланган асарлар.

БОЙТЕВАТ *с.т.* **1** Катта, баҳайбат, кўппак ит. *Калласи худди гов саватдай, Тиши сўйлоқ, хўп қопгир бойтеватдай.* «Гулнорпари».

2 *кўчма* Бойнинг содиқ хизматкори, бойга қуллуқ қилувчи. *Бой ошини бойтеват кўрибди, дегандай, бойтевати кўп. Бойнинг ўзидан бойтевати ёмон.* «Қанотли сўзлар».

3 *кўчма* Сочлари пахмоқ, уст-боши жулдур одам. *Ўзингга сал қарасанг-чи, бойтеват бўлиб кетибсан.*

Бойникини бойтеват қизғанади Бойнинг мол-дунёсидан ўзига ҳеч қандай наф бўлмаса-да, уни бошқалардан қизғанадиган одам ҳақида айтиладиган ибора. *..Бойникини бойтеват қизғонур, деб эшитар эдик.* «Муштум».

БОЙТУЗОҚ Қуш тутиш учун қилдан ясалган махсус тузоқ. -*Қушчага бойтузоқ қўйдинг, энди болу парини юласан, муттаҳам! — деди-да, унинг кўзларига ғазаб билан узоқ тикилди.* К. Яшин, Ҳамза.

БОЙХАЛЧА *бот.* Зиркдошлар (зиркгуллилар оиласи)га мансуб, япроғи панжасимон қирқилган, тугунак илдизли кўп йиллик ўт.

БОЙЧА Йирик бойлардан бойлик жиҳатдан паст турувчи бой; чакана бой, кичик бой. *Эшик олдига, кўчанинг икки юзига қатор қўйилган скамейкаларда Мирзакаримбой, маҳалланинг имоми, бойлари, бойчалари уларни кутиб оладилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

БОЙЧЕЧАК 1 Пиёзгулдошлар (пиёзгуллилар оиласи)га мансуб, илк баҳорда очиладиган кўп йиллик ўсимлик. *Баҳор келгач, ҳар йили далаларга чиқардик. Этак-этак чучмома, бойчечаклар йиғардик.* Ҳ. Салоҳ. *Бойчечак — баҳорнинг биринчи элчиси.* Газетадан. *Қаттиқ ердан таталаб чиққан бойчечак, Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.* «Қўшиқлар».

2 *этн.* Эрта кўклам, бойчечак чиққан пайтда, эшикма-эшик юриб айтиладиган махсус халқона қўшиқ. *Бойчечак айтмоқ.*

БОЙЎҒЛИ *зоол.* **1** Япалоққушлар туркумига мансуб, тунда ов қиладиган бир турли йиртқич қуш. *Оқшом тушганда, Тозабоғнинг олис бурчагида бойўғли сайрайди.* С. Сиёев, Аваз. *Муяссар қабристондаги бойўғлининг ваҳимали «ҳув-ҳув» лашидан уйғониб кетди-да, қайта ухлай олмади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Аввало, бу бойўғли эмас, ҳаққуш, қўрқма.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 *кўчма* Бехосият, машъум одам ҳақида. *Ўртоғинг бойўғли бўлса, турмушинг — вайрона.* Мақол. ▬ *Бундан буён боғимга қадам қўйманг, сиз бойўғлидан ҳам баттар нарсасиз! Қўнган ерингизни қуритасиз.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Бутун борлиқ оғир уйқуга чўмгандай. Фақат Бегмат бойўғлигина ухлаёлмасди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

БОЙҚИЗИ *зоол.* Гавдаси қизғиш, қора юмалоқ доғлари бор ҳашарот. *Ариқ бўйидаги майсалар орасида очилган жимитдек зангори гуллар устида бойқизи сарғиш қанотини пирпиратиб учади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

БОЙҚУШ 1 *айн.* **бойўғли**. *Бойқушнинг кетидан эргашсанг, вайронага борасан.* «Қанотли сўзлар». *Одам шарпасини сезган бойқуш учиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Салбий ёқимсиз воқеа-ҳодисалар даракчиси, сабабчиси. *Бир у [Темиртош] шу бахтга эришган пайтда, юрт устида фалокат бойқуши қанот қоқа бошлади.* М. Осим, Ўтрор. *..жаҳолат, хурофот, бидъат бойқушлари..* К. Яшин, Ҳамза.

БОЙҚУШХОНА Бойқушлар яшайдиган жой, вайрона. *Сунбуланинг охирларигача кўп ҳовлилар, бутун-бутун маҳаллалар ҳувиллаб, бойқушхонага айланади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

БОЙҒОЗА *шв.* Янги буюм харид қилган кишидан олинадиган суюнчи.

БОК [*ф.* باک — хавф, қўрқинч]: **ҳеч бокиси йўқ** Ҳеч зарари йўқ; қўрқинчли эмас, ҳеч нарса қилмайди. *-Мен ҳовлига кирганим учун узр сўрадим, — деди Камолиддин. Чол олижаноблик билан: -Ҳеч бокиси йўқ, болам. Қани, ичкарига киринг, — деб таклиф қилди.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *..она тилимизда одам «ўзида» эмас, аниқ бир жойда, масалан, кабинетда бўлади. — Узр, Саидмурод ака. — Ҳеч бокиси йўқ.* «Ёшлик».

БОКАЛ [*юн.* bankalis — идиш] Суюқ ичимликлар ичишга мўлжалланган чўзинчоқ шиша ёки биллур идиш, қадаҳ. *Чарос бокал ушлаганча энтикиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мезбон шкафдан бир шиша вино олди. Бокални тўлдириб, олдимга қўйди ва шишани яна бекитди.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка. *Бокалга қуйилган боржомдан битта хўплаб, қоғоз салфеткага оғзини артди-да, шошмасдан жавоб берди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БОКИР [*а.* باکر — эрта, барвақт; соф, покиза] Покиза, мусаффо; кўркам. *Бокир, соф, яхши табиат юракларга куч бағишлайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *..қиз нози ва ғамзасининг нашъу намоларини татимаган бокир йигит учун.. ҳаёсизликдан бошқа нарса бўлиб туюлиши мумкин эмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қиз бола ўзининг малоҳати, бокир латофати, иффати, ширин муомаласи.. беғубор табассуми, мулойим кулгиси билан қиз.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

БОКИРА [*а.* باکره — дастлабки мева; иффатли қиз бола] **1** Эр кўрмаган, турмушга чиқмаган; иффатли. *Бокира қиз.* ▬ *Ҳеч қаёққа кетмайман, менга осилманг, бўлмаса, бир бокира жоннинг уволига қоласиз!* К. Яшин, Ҳамза. *Сенга шундай бокира жононларни топиб берайки, ҳуснини кўриб, ақлинг оғмаса — ҳисобмас.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *кўчма* Қўл тегмаган, киши оёғи етмаган. *Қудратли тракторлар чўлнинг бокира бағрини илк дафъа ёриб, ағдариб, ҳавони гумбурлатар эдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 *айн.* **бокир**. *..сирқираб ётибсиз тошлар оралаб, бокира сувларим, гўзал сувларим.* Ш. Раҳмон, Гуллаётган тош. *Сен менинг қоримсан, биринчи қорим, Гўё бутун олам сендай бокира.* А. Мухтор, Асарлар. *Баҳорнинг бокира тароватни ҳам Арслоновнинг кўнглини очолмади.* «Шарқ юлдузи». *..шунда қизнинг бутун борлиғи изтиробга тушиб, бокира қалбида нималар кечмайди.* Газетадан. *Мен сизни япроқлар рангига уйқаш, Бокира муҳаббат билан севаман.* Х. Даврон, Тунги боғлар.

БОКС I [*ингл.* box — мушт уриш, зарб] *спрт.* Икки рақибнинг махсус қўлқоп кийиб, маълум қоидалар асосида яккама-якка муштлашиш мусобақаси. *Ҳарбийда бокс спортига қизиқиб, разряд ҳам олибди.* Мир-

муҳсин, Асарлар. *Бокс спорти ҳақида баъзан узоқ гапириб, Ҳафизани зериктирган вақтлари ҳам бўлган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

БОКС II [*ингл.* box — қути, хона] *тиб.* Касалхоналарда юқумли касаллик билан оғриганликда гумон қилинган кишиларни бошқалардан алоҳида ётқизиш учун ажратилган махсус хона ёки бино.

БОКС III [*ингл.*] Эркакларнинг соч қўйиш усулларидан бири. *Сочини боксга олдирмоқ.*

БОКСЁР *айн.* **боксчи.** *Бу қисқа муддат боксёрларнинг шиддатли раундлари ўртасида нафас ростлашга бериладиган қисқа танаффусга ўхшарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

БОКСЁРЛИК Бокс тушишлик, бокс билан шуғулланишлик. *Мен ёшлигимда боксёрликни яхши кўрардим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БОКСИТ [*фр.* bauxite — Франциядаги Бо (Beaux) деган жой номидан] Асосий таркибий қисмини алюминий оксид ташкил қилган тоғ жинси; алюминийга энг бой руда. *Боксит — цемент ва ўтга чидамли материаллар олиш учун ишлатиладиган тоғ жинси.* А. Ашрапов, Ш. Қосимов, Қурилиш терминлари луғати.

БОКСЧА Боксчасига, бокс усули билан. *Умид ёқасидан ушламоқчи бўлган Шоқосимни тасирлатиб, боксча ура кетди.* Мирмуҳсин, Умид.

БОКСЧИ Бокс билан шуғулланувчи шахс. *Катта бўлсам, албатта боксчи бўламан.* Мирмуҳсин, Умид. *Кубалик боксчилар билан «Тошкент йўлбарси» саккиз маротаба учрашди ва жангларда ғалаба қозонди.* Газетадан.

БОЛ 1 *айн.* **асал 1**, **2**. *Бол сотган бармоғини ялар.* Мақол. ▬ *Бу ернинг узуми, анори, анжири бол билан тенг дейдилар.* Газетадан. *Ол-ол бўлсин, ол бўлсин, ёринг лаби бол бўлсин.* «Кунтуғмиш».

2 *кўчма* Тот, лаззат. *Тил бор — бол келтирар, Тил бор — бало келтирар.* Мақол. *Яхши хотин — умр боли.* Мақол. ▬ *Улар ҳаёт болини эмас, ҳаёт заҳрини ютиб ўтирардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 *кўчма* Яхши, мулойим муомала. *Тилингда бўлса болинг, Кулиб турар иқболинг.* Мақол. *Муздан сув томар, Сўзамолдан — бол.* Мақол.

Оғзидан (*ёки* **лабидан, сўзидан**) **бол томади** Жуда ҳам ширинсўз одам ҳақида. *Аноргулнинг ҳар сўзидан Боллар томар, ёр-ёр.* «Қўшиқлар». *Ҳар сўзингдан бол томсин, Кўрган орзулаб қолсин.* Қ. Муҳаммадий. *Катта-кичикка оғзидан бол томиб муомала қиладиган хола негадир мен билан тил учида сўрашиб қўя қолди.* «Муштум». *Лабларингиздан бол томади, ёниб турган оловсиз.* К. Яшин, Ҳамза.

БОЛА 1 Янги туғилган, ҳали кўкракдан, она бағридан ажратилмаган гўдак; чақалоқ. *Бола эмизмоқ. Болани аллалаб ухлатмоқ. Бола йиғламаса, она сут бермайди.* Мақол. ▬ *Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳали ёш, вояга етмаган одам. *Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра.* Мақол. *Яхши боладан — раҳмат, Ёмон боладан — лаънат.* Мақол. *Мен куяман боламга, Болам куяр боласига.* Мақол. *Алдагани бола яхши.* «Қанотли сўзлар». ▬ *-Ҳали бола экансиз, — деди Кумуш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анвар келишган, дўндиқ бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Аёл кишининг фазилати бола билан бўлган муносабатида очилади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Аскар бола *с.т.* Аскарликка янги олинган ёш солдат. *Уруш йиллари аскар болаларни йўқлаб турдик.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бўз бола** Ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини тотмаган, турмуш тажрибаси йўқ йигит. *Йўлчи қачон келар экан, келганда ҳам нима қиларди, бўз бола, камбағал.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дала** (*ёки* **саҳро**) **боласи** *эск.* Далада, саҳрода ўсган одам. *Қашқарнинг қизи, жувони олмадай бўлади. Сен саҳро боласига сўзни уқтириш ҳам қийин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Келин бола** Ёш келин, эндигина тушган келин, келинчак. *Ҳожининг «Энди келин болани юбормаймиз-да», деб кулишига: «Менинг болам эмас, сизники, у ер ҳам, бу ер ҳам ўзининг уйи», — деди [қутидор].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..келин болани Тошкентга олиб келишларини сўраган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Куёв бола** Ёш куёв, янги куёв. *Совчилар қуда бўлмишларига куёв болани роса мақташибди.* «Муштум». *-Куёв бола ёлғиз қолар эканлар-да? — қизнинг ҳаракатлари негадир шофёрга ёқмади.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Кўча бола(си)** Кўча-кўйда санқиб юрадиган, тарбиясиз бола. *Нариги уйдан увадаси чиқиб кетган ёстиқни кўтариб Ҳам-*

дам чиқди: -Ўтир бу ёққа! Хўш, сен нима учун кўча болаларига ўхшаб ахлоқсизлик қиласан? А. Қаҳҳор, Айб кимда? **Ота(си)нинг боласи** Ўз отасига ўхшаган; ўз отасининг ишини тута билган фарзанд ҳақида. *Отабек хуфтон намози учун таҳорат олишга меҳмонхонадан чиққан эди, унинг кетича: -Отанинг боласида, — деб Зиё шоҳичи меҳмонларга қараб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўғил бола** 1) эркак жинсидаги бола. *Ўғил болани уриш гуноҳ деб биладиган Умматали бу гал ўзини тутолмади.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) *кўчма* эркакларга хос хусусиятли шахс; мард одам. *-Мен кишининг хизматини унутадиган йигит эмасман, — деди Ҳомид ва давом қилди, — ўғил бола учун — ўғил болалигим, ёмон учун ёмонлигим бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) *кўчма* тўғриси, бўладигани. *Гапнинг ўғил боласини айтсам, биз тарафда беморларга наридан-бери қарашади.* «Муштум». **Қиз бола** 1) аёл жинсидаги бола. *Шу ёшга кириб қиз бола билан биринчи марта кинога тушиши эди.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. *..қиз боланинг бунчалик шўх бўлишини биринчи кўришим.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) бўш, заиф ёки қизларга хос қилиқлар қиладиган ўғил болаларни масхаралаб айтиладиган ибора.

3 Фарзанд, ўғил-қиз, зурриёт. *Одамнинг меваси — бола.* Мақол. *Бол ширин, болдан бола ширин.* Мақол. *Бола азиз, одоби ундан азиз.* Мақол. ▬ *Бир онадан алвон хил бола туғилади, деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Бола кўрмоқ Фарзандли бўлмоқ. *Орада тўққиз йил ўтди. Булар тўрт бола кўришди..* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

4 *кўчма* Ёши улуғ, аммо гўдакларча иш тутадиган, болаларча мулоҳаза юргизадиган одам ҳақида. *-Нега кўнглимга олмай, мен ёш боламанми! — деди [Кумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эй хотин, бола бўлиб қолгансан десам, аччиғинг келади. Ахир гапнинг охирига қадар тинглаб турмайсанми.* Ойдин, Ширин келди.

5 *(кўпинча 1-ш. эгалик аффикси билан)* Ёши катталарнинг ёшларга мурожаат шакли. *-Узр айт, болам. Золим билан тенглашма! — деди чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Меники бедаво дард. Уҳ! — енгил хўрсинди Тоҳиржон. -Ундай дема, болам. Ноумид шайтон.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Янги туғилган, тухумдан чиққан, ҳали вояга етмаган ёш ҳайвон ёки парранда. *Қўнғиз боласини оппоғим дер, кирпи боласини юмшоғим дер.* Мақол. *Илоннинг боласи — илон, Чаённинг боласи — чаён.* Мақол.

7 Ҳомила, қориндаги гумона. *-Боланг неча ойлик бўлди, ер юткур? — бўғилиб сўради ва қизни бир тепди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меҳри иккиқат. Бола икки ойлик, уч ойлик.. беш ойлик.. Қандай қилиб бўлса ҳам, болани тушириш керак.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

БОЛАЖРАТГИЧ Рамкадаги мумкатакни бузмасдан ундаги асални ажратиб оладиган, марказдан қочма куч таъсирида ишлайдиган цилиндрсимон машина.

БОЛА-БАҚРА Катта-кичик ёшли болалар; бола-чақа. *Майсазор тўла бола-бақра, қий-чув; қаердадир патефон хириллаб айланар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Кенгроқ кўчада бола-бақра чуввос солиб, у ёқдан бу ёққа югуришарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Дудутлатинг, Қулмуҳаммадбой, бизнинг кўчада бола-бақра кўп!* «Ёшлик».

БОЛАБОП Болаларга мўлжалланган, болалар учун аталган ёки болалар бажариши мумкин бўлган. *Ўзим икки марта бордим. Болабоп иш йўқ дейишади.* «Ёшлик».

БОЛАЖОН 1 Бола 1, **2** с. кичр.-эркл. *Ма, е шуни, болажоним, атайин сенга илиниб олиб келдим.* Ш. Сулаймон, Ота ўғил. *Ўша қонхўрлар мени ўлдириб кетиша қолса бўлмас эканми? Болам, болажоним!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 *сфт.* Болаларни ниҳоятда яхши кўрадиган, болага ўта меҳрибон, болапарвар. *Озод ақлини танигандан бери бу қадар меҳрибон, болажон аёлни учратган эмас.* «Ёшлик». *Балки менда пайдо бўлган меҳр тоғамнинг болажон бўлганидандир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БОЛАЖОНЛИК Болаларни жондан ортиқ севишлик; болажон бўлиш. *Фотима холадаги болажонлик, фарзандларига бўлган муҳаббат, уларнинг тарбияси йўлидаги фидокорлик [фильмда] ўз ифодасини топган.* Газетадан. *Унинг сиймосида мушфиқ онадаги болажонликни, жафокашликни, олижанобликни кўрасиз.* Газетадан.

БОЛАКАЙ Бола 1, **2** с. кичр-эркл. *Қани, ўша бир пайтлар катталарнинг суҳбатига аралашмасдан, меҳр билан кузатадиган тортинчоқ болакайлар ва қизалоқлар.* Газетадан.

-Ҳа, болакайлар, нима гап? — деди Жўранинг дадаси, туядаги болалар етиб келгач. Н. Фозилов, Ирмоқ.

БОЛАЛАМОҚ 1 Ўзидан насл қолдирмоқ; бола туғиб ёки очиб кўпаймоқ; урчимоқ. *Мушук болалади. Каптар болалади.* ▬ *Уммат сурнайчининг ити болалаган эди, битта кучугини олдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..айни баҳор пайтида тоғдаги ноёб қуш ва ҳайвонлар тухум қўйган ва болалаган бўлади.* Н. Раҳмонов, Бетайин овчилар.

2 *кўчма* Кўпаймоқ, урчимоқ. *Чипқон болалабди. Бир орзу ўн орзу болалайди.* Мақол. ▬ *Билишмайдики, пул болалаб туради, индамасдан туғади, чақалоқлари ингилламайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўзидаги тундлиги аримади, қайтага болалади, оғирлигини ташлаб, кўзини чўктирди.* «Ёшлик».

БОЛАЛАРБОП Болаларга мос, болалар учун тўғри келадиган, болаларга мўлжалланган. *Ёзувчиларнинг болаларбоп энг яхши асарлари танлаб олинади.* Газетадан. *..эртакона усул давр нафасини, қайноқ руҳини қизиқарли, болаларбоп тарзда тасвирлашнинг бирдан-бир йўлидир.* «ЎТА».

БОЛАЛАРЧА *рвш.* Болаларга хос тарзда, болаларга ўхшаб; гўдакларча. *Болаларча ўйламоқ. Болаларча муҳокама юргизмоқ.* ▬ *..бу қизариш айни ҳолда бир нав болаларча рашкни ҳам ифода қиларди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ўктамхон болаларча самимият билан эътироз билдирди.* К. Яшин, Ҳамза.

БОЛАЛАТМОҚ 1 Болаламоқ фл. орт.н. *Қорамолларни болалатмоқ.*

2 *кўчма* Кўпайтирмоқ. *Таъбир жоиз бўлса, ҳозир йўқни йўндирса, борни болалатса бўладиган пайт.* Ж. Холқосимов, Қаёққа қараб эснаяпсиз. *[Аъзам] Ҳожининг давлатини талон-торож қилавермайди. Аксинча, ёнига қўшади, болалатади, тишида тишлаб, шу хонадонга олиб келади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

БОЛАЛИ Боласи, фарзанди бор, болачақали. *Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар.* Мақол. *Болали уй — бозор, боласиз уй — мозор.* Мақол. *Болали уйда ғийбат бўлмас.* Мақол.

БОЛАЛИК 1 Ёш болаларга хос хатти-ҳаракат, қилиқ. *Бола болалигига боради.* ▬ *Бола-да, мурти сабза уриб қолган бўлса ҳамки, болалигини қўймайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Сафарали қаерда туради десак, биров айтиб берадими? Болалигинг қурсин.. Дунёда Сафаралидан кўпи йўқ.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

2 Одамнинг ҳали вояга етмаган даври; ёшлик. *У болаликданоқ отларни севар, яхши отларни боқиш, томоша қилишдан ҳар вақт завқланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дунёдаги энг мароқли сайр болалик йиллари ўтган кўчалар бўйлаб сайр этиш бўлса керак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 Фарзандлик, фарзанд қилиб олиш, фарзанд қилиб асраш. *[Ўғилни] Бир бефарзандга боликка бердим. Қаерда бўлса, эсон бўлсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўғил болалик Мардонавор хатти-ҳаракат, мардлик. *-Мен кишининг хизматини унутадиган йигит эмасман, — деди Ҳомид ва давом қилди, — ўғил бола учун — ўғил болалигим, ёмон учун ёмонлигим бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОЛАЛИ-ЧАҚАЛИ *айн.* **бола-чақали**.

БОЛАПАРВАР Болаларни ортиқ даражада яхши кўрадиган, болаларга меҳрибон; болажон.

БОЛАПАРВАРЛИК Болаларни ниҳоят даражада яхши кўришлик; болажонлик.

БОЛАПАҚИР Бечора, иложсиз. *Гавдалироқ бир эркак бир мушт туширган эди, боланинг телпаги бошидан учиб, қорга тушди. Болапақирни бирпасда оломон қилиб юборишди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Болапақир бу гапларни ичига солавериб сиқилиб кетган экан, шекилли, сал юрагини бўшатиб олсин.* «Ёшлик».

БОЛАРИ *айн.* **асалари.** *Яхши чечакка болари қўнади.* Мақол. ▬ *Боларилар шошиб зувиллар, Ҳатто қўнғиз ясатар инин.* А. Шер, Бешиктерватар ҳақида баллада.

БОЛАСИЗ Боласи йўқ, бола кўрмаган, бефарзанд. *Боласиз хотин. Хотинсиз ўтиш — хато, боласиз ўтиш — жафо.* Мақол. *Болали уй — бозор, боласиз уй — мозор.* Мақол. ▬ *Боласизга тангриси ҳам, бандаси ҳам бермас экан. Йигирма йил турмуш қилиб, бола кўрмадим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БОЛАСИЗЛИК Фарзандга эга эмаслик; бефарзандлик. *Боласизлик учун хафа бўлиш керак эмас, ҳали ёшсиз, бек ака!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОЛАТОЙ Бола 1, **2** с. кичр-эркл.

БОЛАЧА 1 Бола 1, **2** с. кичр.

2 Кичкина қовун; сапча, хомак.

3 Бир турдаги нарсаларнинг энг кичиги, жажжиси.

БОЛА-ЧАҚА *жуфт. с.* **1** Катта-кичик болалар; бола-бақра. *Йигит ялт этиб, қўшни далага қаради. У ерда хотин-халажлар, бола-чақалар чувиллашиб, пахта теришаётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ходимларнинг учовида ҳам бола-чақалари бор экан.* М.М.Дўст, Галатепа қиссалари. *Бола-чақаларининг орзу-ҳавасини кўришсин.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Оила аъзолари (хотин ва болалар). *Мусофирлик қийин, бола-чақани соғинади киши.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бола-чақа қилмоқ (*ёки* **кўрмоқ**) Уйланиб бола-чақали бўлмоқ. [*Мамат Холисхонга*:] *Бола-чақа кўргандан кейин бир умр бориб туришга ҳам ваъда бераман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

БОЛА-ЧАҚАЛИ Уйланиб бола-чақа кўрган; оилали, аёлманд. *Биринчидан, бола-чақали одам хотин устига хотин олса, уйда ҳар кун жанжал-сурон бўлиши шубҳасиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *У йигитлигида уйланиш, бола-чақали бўлиш ҳақида ўйлаганида, хотинининг ҳам чиройли, ҳам ақлли бўлишини орзу қиларди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

БОЛБОЛЛАР Қадимда тепаликларга ва қабрлар устига ўрнатилган тош ҳайкаллар ёки тош тахталарга бўрттириб ишланган одам тасвири. *Болболлар Қозоғистон, Қирғизистон, Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистон ва Шарқий Европада учрайди.* «ЎзМЭ».

БОЛГАР 1 Болгария мамлакатига мансуб туб халқнинг (миллатнинг) номи.

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Болгар халқи. Болгар тили. Болгар аёл.*

БОЛГАРИ *с.т.* Болгар қалампири.

БОЛГАРЛАР Болгариянинг асосий (туб) аҳолиси.

БОЛГАРЧА 1 Болгар халқи (тили, адабиёти ва маданияти)га оид. *Болгарча кийим. Болгарча рақс.*

2 Болгар тили. *Болгарча(ни) биласизми?*

БОЛДИЗ *шв.* Хотиннинг синглиси, қайинсингил. *Болдиз болдан тотли.* Мақол. ▬ *Езнам мени таниса, болдизиман, ёр-ёр, Болдоғига қистирган қундузиман, ёр-ёр.* «Қўшиқлар». *Ёнимда на қайлиқ, на болдиз, На бир ютум қирмизи шароб.* Миртемир, Асарлар.

БОЛДИР 1 *анат.* Оёқнинг тизза билан тўпиқ орасидаги қисми. ..*Турсунбой қизил этигининг қўнжини болдирига бурма қилиб тушириб.. олган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. ..*бўйчангина Муҳаббат, лозимини болдирларигача кўтариб қўйиб, шакароб қилиб сув сепилган ҳовлини супураётган экан.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

2 Оёқнинг шу қисми орқасидаги сўм, мушак гўшти. *Унинг диркиллаган болдирлари, тирсиллаган кўкраклари, оппоқ бағбақалари, қўйинги, гулмисан-гул!* С. Анорбоев, Оқсой. *Унинг [Зумраднинг] тиқмачоқдай оппоқ болдирларига қараб қўйиб, Холқўзи хаёлланди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

БОЛДИРҚОРА *бот.* Қирққулоқдошлар оиласига мансуб бир турли доривор ўсимлик; сочисунбул. *Болдирқора тоғлардаги ғорларда, қояларнинг соя ва сернам ёриқларида, булоқ ёқасида ўсади.* «ЎзМЭ».

БОЛДИРҒОН *бот.* Раънодошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб ўсимлик, маймунжон.

БОЛДОҚ 1 Кўзсиз силлиқ узук.

2 *айн.* **зирак.** *Назиранинг елкалари, бошидаги зар рўмоли, қулоқларидаги болдоқлари ялтиради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Зубайдани чиндан ҳам қўғирчоқ қилиб ясатишган эди: қулоқларида олтин болдоқлар, бармоқларида гавҳар кўзли тилла узуклар.* К. Яшин, Ҳамза.

3 *кўчма* Ўсимлик ва дарахтларнинг болдоқ каби осилиб турган қисми (кўсак, япроқ ва б.). *У [Мамат]нинг ўткир кўзлари олдида бепоён пахтазорлар кумуш болдоқлари билан жилмайиб кўринади.* «Шарқ юлдузи».

4 Баъзи нарсаларни маҳкамлаш учун уларга кийдириладиган ҳалқа. *Қилич болдоғи.*

5 *шв.* Ҳасса, қўлтиқтаёқ. *Болдоққа суяниб юрмоқ.*

БОЛИД [*юн.* bolis, bolidos – ирғитиладиган найза] *астр.* Осмонда гоҳо-гоҳо кўринадиган энг равшан, йирик метеорит. *Болид планеталараро фазодан Ер атмосферасига келиб кирган тошдир.* «Астрономия». *Агар метеор жисм катта бўлса, учган вақтида осмонда олов учгандай бўлади. Фанда буни «болид» дейилади.* «Фан ва турмуш».

БОЛИШ I **1** [*ф.* بالش – ёстиқ] *айн.* **ёстиқ.** *Ҳар бир айвоннинг токчасида беҳисоб бахмал, ипак кўрпачалар, болишлар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мамат қассоб болиш четини маҳкам чангаллаган кўйи ўғлига қаттиқ тикилиб*

қолди. «Ёшлик». *Ўтган куни Бобур ўзига келди, болишга суяниб, бир оз бошини кўтарди.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

Лўла болиш *қ.* **лўла**.

2 Диваннинг суянишга мўлжалланган болиш шаклидаги суянчиғи. *Акбаров қаддини ростлаб, диваннинг болишига билагини қўйди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Диваннинг клеёнка қопланган суянчиқ болишида бир китобнинг бешолти нусхаси турибди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БОЛИШ II *тар.* Мўғуллар, қисман турклар орасида 13–14-асрларда муомалада бўлган тилла ёки кумуш пул.

БОЛИҒ [*а.* بالغ – вояга, камолга етган] *кт.* Балоғатга, вояга етган; етук. *Оқил ва болиғ.. бўлганингиз ҳолда, бу хайрли мажлисда ҳозир бўлган сиз, йигит, шу мажлисда ҳозир бўлиб турган шу қизни.. хотинликка қабул қиласизми?* С. Айний, Эсдаликлар.

БОЛИҒА Балоғатга етган аёл. *Хотундан.. хурсанд бўлдим.. Эр ҳурматини бажо келтирувчи оқила ва болиға эрди.* «Муштум».

БОЛИҒЛИК Балоғат ёшига, вояга етганлик.

БОЛО [*ф.* بالا – тепа, баланд; баландлик] *кам қўлл.* Баланд, юқори, баландпарвоз. *Жаҳонда сўз тўла, аммо бари баробар эмас, Тафовут айлади қийматда пасту боло сўз.* Ҳабибий.

БОЛОМЕТР [*юн.* bole – нур + metron – ўлчаш] Нур энергиясини ўлчайдиган асбоб.

БОЛОН *с.т. айн.* **болонья.** *Болон плаш(ч).*

БОЛОНИШИН [*ф.* بالانشين – юқори ўрин эгалловчи] Юқорида, тўрда ўтирувчи; барчадан баланд турувчи, ўзини баланд олувчи. *Шарақлаб ҳар қаю суҳбатда ҳам беҳуда кулкулар, Раиси суҳбату болонишинман, нуктадонман дер.* Ҳабибий. *Халқда мундин бўлак болонишин йўқ охири, Қилмағай деб қўрқаман Ҳазратга даъво баччағар.* Муқимий.

БОЛОНЬЯ [Шимолий Италиядаги Болонья (Bologna) шаҳри номидан] Бир томони сув ўтказмайдиган қопламали сунъий материал ва шундан тикиладиган уст кийим (плаш, куртка ва ш. к.). *Одамлар ичида сочини бароқ қилиб орқасига туширган, болонья плаш кийган Жанна ҳам турарди.* Мирмуҳсин, Умид.

БОЛОПЎШ [*ф.* بالاپوش – устки кўйлак; плаш; ёпинғич] *кам қўлл.* Устки кийим-бош, устки кийимлар. *Шоистани кечаси болопўш дўкони ёнидан ёпиқ машинада кўзини бойлаб олиб кетишибди.* «Саодат».

БОЛОР [*ф.* بالار – тўсин; устун] *шв.* Иморат томига кўндалангига ташланадиган ёғоч; тўсин. *Пойтешада болор чопавериб, белларинг қотиб кетгандир.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Бу айвоннинг болорлари орасига тахтачалар қоқиб, каптарлар учун уя тайёрланган.* С. Айний, Қуллар.

БОЛОРЛИ Томига болор ташлаб қурилган, болорли. *Назар аканинг уйи оила аъзоларига нисбатан кичик, тўққиз болорли экан.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Базмхона тўққиз болорли бўлиб, ичи одам билан тўла эди.* С. Айний, Дохунда.

БОЛОХОНА [боло + хона] Маҳаллий типдаги иморатнинг иккинчи қавати ва шу иккинчи қаватдаги хона. *Эъзозхон чойхона тепасида, болохона деразасидан кўчага қараб турибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Умид болохонада, шинам ҳужрасидаги эски сим каравотда чалқанча ётарди.* Мирмуҳсин, Умид.

БОЛОХОНАДОР 1 *айн.* **болохонали.** *Шу он мингбоши чўрт бурилди-да, самовар айвонидан ўтиб, узоқда кўринган болохонадор баланд, баҳайбат дарвоза томонга югурди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мансур болаликдан қадрдон бўлиб қолган уйнинг болохонадор томини кўзлари билан излаб топди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма салб.* Дабдабали, тамтароқли. *Болохонадор гаплар.* ■ *«Ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб оламиз» деган болохонадор ваъдалар қани?* Газетадан. *Раҳим Салимович хушхабарни жуда болохонадор ташаккурлар билан кутиб олди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Болохонадор (қилиб) сўкиш Одоб доирасидан жуда ҳам четга чиқиб, ўтакетган беадаб, чўзиқ иборалар, сўзлар билан сўкиш. *Шундаям понсад тўнғиздек олишар, йигитларни болохонадор қилиб сўкарди.* «Ёшлик». *Одил ловуллаб ёнаётган қулоғини тез-тез силар экан, болохонадор қилиб сўкинди.* «Ёшлик».

БОЛОХОНАЛИ Болохонаси бўлган, икки қаватли. *Болохонали иморатнинг пастки қаватидаги деразалардан ёруғ тушиб турибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дарвоза тепаси болохонали бостирма бўлиб, тагидаги ёруғ гаражда зангори «Волга» ялтиллаб турарди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

БОЛОҚ *айн.* **поча** *қ.* **балоқ.** *Келиннинг болоғида каштасиз жияк.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Шуни айтадилар ўзи, болоқдаги бит бошга чиқар деб.* «Шарқ юлдузи».

БОЛТ [*нем.* Bolt – маҳкамловчи темир чивиқ] Бир учида каллаги, иккинчи учида резьбаси бўлган, машина ёки иншоотларнинг ажралувчи қисмларини бириктирувчи маҳкамлаш детали. *Кўзойнакнинг ошиқмошиғи кўпинча бўшашиб қолади, шунда унинг болтини маҳкам бураб қўйинг.* Газетадан. *Бу болтларни, гайка бўлмагач, ҳеч нарсага ишлатиб бўлмас экан.* «Муштум».

БОЛТА 1 Бирор нарсани (ёғочни, гўштни ва ш. к.) чопиш, кесиш, ёриш учун ишлатиладиган, тиғи дастасига параллел металл асбоб. *Болта тушгунча, кунда дам олар.* Мақол. *Минг дарахтнинг бошини бир болта чопар.* Мақол. ■ *Ақлли, тўнгакнинг нозик ерини – ёриладиган ерини топиб туриб, болта уради – ақли билан ёради, ўзини қийнамайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳовлида қор устида болта билан ўтин ёраётган йиртиқ-ямоқ тўнли бир йигит Элмуродни имлаб чақирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Оёғига (*ёки* **тагига, илдизига, томирига**) **болта урмоқ (***ёки* **қўймоқ)** Асосини, заминини бўшаштириб, қирқиб, ҳалокатга йўлламоқ, путурдан кеткизмоқ. *Ўз оёғингизга ўзингиз болта қўйманг, дейман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Савдо ходими бўлиб ишлаган вақтида Мажид Қурбоновнинг нафс илдизига болта урилган эди.* «Муштум». *..менинг оёғимга болта урган шу бўлади.* «Муштум». *У зулм илдизига болта урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Болта (эркаклар исми).

БОЛТАЛАМОҚ Болта билан кесмоқ, чопмоқ.

БОЛТАТУМШУҚ *зоол.* Чумчуқсимонлар туркумининг тарғилбошлилар оиласига мансуб данакхўр, сайроқи қуш.

БОЛТАЧИ Болта билан иш кўрувчи; болта билан ишловчи. *Ўроқчининг минг ургани, Болтачининг бир ургани.* Мақол.

БОЛТАЮТАР *зоол.* Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб, ўлимтиклар билан овқатланувчи йиртқич қуш. *Болтаютар одамга ва йирик сутэмизувчиларга ҳужум қилмайди. Баъзан каклик, қуён, суғурларга ҳужум қилади.* «ЎзМЭ».

БОЛТИРИҚ *бот.* Крестгулдошларга мансуб кўп йиллик бегона ўт. *Болтириқ экинлар орасида, боғлар, уватлар ва йўл ёқасида ўсади.* «ЎзМЭ».

БОЛТЛИ Болти бўлган, болти бор; болт билан маҳкамланган ёки маҳкамланадиган. *Болтли бирикма.*

БОЛ-ПАР, болупар [*ф.* بال وپر – қанот ва пат; ҳаракат эркинлиги]: **болупардан айрилмоқ** Энг яқин кишисидан, таянчиғидан айрилмоқ; жудо бўлмоқ; қаноти қайрилмоқ. *Гулдай бахтим бор эди, чанг солиб, унга зомин бўлишди, қанотимни қайириб, болупаримдан айирдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

БОЛУТ Қорақайингуллилар оиласига мансуб йирик дарахт; *айн.* **эман.** *..икки жасур жангчи болут тагига дафн қилинди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

БОЛУТЗОР Болут дарахти билан қопланган ер, майдон. *айн.* **эманзор**.

БОЛЬШЕВИЗМ [*р.* большой, больше – катта; кўп] *эск. тар.* Большевиклар партияси амал қилиб келган назария ва сиёсий-партиявий оқим.

БОЛЬШЕВИК *эск тар.* Большевизм тарафдори, большевиклар партияси аъзоси.

Большевиклар партияси *эск. тар.* Россия социал-демократик ишчилар партиясининг 1903 йилдаги II съездида партия аъзоларининг кўпчилиги асосида ташкил топган партия.

БОЛҚИМОҚ *айн.* **балқимоқ.**

БОЛҚИН *бот.* Юлғундошлар оиласига мансуб, туксиз, барглари тухумсимон чала бута.

БОЛҚОН Бўлиқ, тўла. -*Тирик ҳам гап эканми, болқондек бола, – деб кулганича, яна ичкарига кириб кетмоқчи бўлди.* Ойдин, Гулсанам.

БОЛҚОР 1 Россия Федерациясидаги Кабарда-Болқория Республикасида яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи туб халқнинг номи.

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Болқор йигит. Болқор тили.*

БОЛҚОРЛАР Кабарда-Болқориянинг асосий (туб) аҳолиси.

БОЛҚУРАЙ *бот.* Соябонгуллилар оиласига мансуб, пояси ва илдизи сутли, кўп йиллик ўт.

БОЛҒА 1 Мих қоқиш, нарсаларни уриш, текислаш, эгиш ёки букиш каби иш-

ларда қўлланадиган, ёғоч ёки темир дастали асбоб. *Остонада мункайиб ўтирган чол ёнбошига қўйиб олган пақирдан қийшиқ-қинғир михларни олиб, болға билан тўғриларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Унинг [Замоннинг] бир қўлида мушук калласидай калтасоп болға, бир қўлида темир пона.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 *тех.* Металларга, умуман нарсаларга зарб билан ишлов берадиган оғир механизм. *Бир қозиқнинг ерга кириши қийин бўлди, моторни бошқараётган йигит болғани анча юқоридан ташлади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

БОЛҒАБАЛИҚ *зоол.* Бошининг икки ёнидаги ўсимтаси болғага ўхшаган, акуласимонлар туркумига мансуб балиқ.

БОЛҒАБОШ *зоол.* Сувга яқин ўрмонларда яшовчи, узуноёқ қушлар туркумига мансуб қуш, сояқуш. *Болғабош кундузи офтобдан қочиб, ўсимликлар остида юради, шунинг учун «сояқуш» ҳам деб аталади.* «ЎзМЭ».

БОЛҒАЛАМОҚ Болға билан урмоқ, болға билан уриб ишлов бермоқ. *..сандон устига қўйилган мис тунукани терлаб, бир меъёрда болғалаётган қотма арабга кўз ташламай иложимиз йўқ.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Корпусда металл болғалаш машиналарининг одатдаги шовқинини эшитмаймиз.* «Фан ва турмуш».

БОЛҒАЛИ Ўзбек уруғларидан бири.

БОЛҒАЧА 1 Кичкина болға. *Ниҳоят, докторим болғачасини тап эткизиб столга ташлади-ю, бурчакка бориб, қўл ювди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *анат.* Одам ва сутэмизувчи ҳайвонларнинг ўрта қулоғидаги қулоқ пардасига ёпишган эшитув суякчаларидан бири.

БОМАЗА [бо.. + маза] *айн.* **мазали.** *Барин гапи бомаза, Кийган кийими тоза.* «Гулнорпари».

БОМАСЛАҲАТ [бо.. + маслаҳат] *айн.* **бамаслаҳат**.

БОМБА [*фр.* bombe < *лот.* bombus – шовқин] Портлатувчи ёки ёндирувчи снаряд. *Атом бомбаси. Водород бомбаси. Бомба ташламоқ.* ▬ *Мабодо атом бомбасини бир елкамга, водород бомбасини бир елкамга осиб қўйиб, шу Сотимхўжага тегмасанг, ҳозир портлатвораман деса, портлатвор-е, жоним роҳат олади, дердим.* С. Аҳмад, Сайланма.

БОМБАПАНА Бомба, ўқ ва ш. к. дан сақланиш учун махсус қурилган жой. *Бомбапана қурмоқ.* ▬ *Йўл портлади, ўзин урди бомбапанага.* Газетадан.

БОМБАРДИМОН [*фр.* bombardement – бомба ташлаш; ўт очиш] Бомба ташлаш, бомба ташлаб қириш. *Бомбардимон қилмоқ.* ▬ *Бомбардимон кучайгандан кучайиб борди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кичкина станцияда батальон поезддан тушишга улгурмасданоқ, бомбардимонга учради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

БОМБАРДИМОНЧИ 1 Бомбардимон қилишга мослашган (самолёт). *Бомбардимончиларнинг ҳужуми 15 минут давом этди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Фронтда бомбардимончи самолёт учса, ҳамма тупроққа кириб кетгудай бўлиб, ерга ёпишарди.* А. Мухтор, Асарлар.

2 *с.т.* Шундай самолёт учувчиси.

БОМБАОТГИЧ *ҳарб. айн.* **бомбомёт.**

БОМБОМЁТ *ҳарб.* Тузилиши миномётга ўхшаш отиш қуроли, бомбаотгич.

БОМДОД [*ф.* بامداد – саҳар, тонготар] **1** *дин.* Эрта билан кун чиқмасдан ўқиладиган биринчи намоз. *Муздай куз сувига юз-қўлини ювди-да.. ўчоқ бошида ивирсиб юрган хотинидан сўради: -Онаси, болангиз бомдодга чиқиб кетдими?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У, бомдодни адо этгач, харсангтошлар оралаб шарқираб оқаётган сой бўйига тушиб, табиатнинг мислсиз жамолини томоша қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Бомдод намози *айн.* **бомдод 1.** *Мақсуд қори бомдод намозидан бугун эртароқ қайтди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Сешанба куни бомдод намозидан то тушга қадар Вафо аттор интиқ бўлиб Кимёхонни кутди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар.

2 Эрта тонг пайти; саҳар. *Бомдодда турмоқ. Бомдод билан жўнамоқ.* ▬ *Осмонда юлдузлар чароқлар, Етти қароқчи мағриб уфқида ёнбошлаб ётар, бомдодгача бир неча соатгина қолган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Ўтиришма тонгга яқин тугади. Сайфий бомдод маҳали.. чиқиб кетди-ю, тўйхонага қайтиб келмади.* С. Сиёев, Аваз.

БОНГ [*ф.* بانگ – қаттиқ қичқириқ, фарёд; шовқин] **1** Баланд овоз, қаттиқ товуш, ҳайқириқ. *..замондан, ҳақсизликдан, зулмдан норозилик бонги тобора жаранглай берди.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

Бонг урмоқ Баланд овоз билан даъват қилмоқ, ҳайқирмоқ. *Йигитлардан бири.. йўғон товуш билан атрофга бонг урди: -Юравер! Майдонга чиқиб, рўйирост чиқиб, ҳақимизни дов қиламиз!* Ойбек, Танланган асарлар. *Нарзи Ражабов сиймоси кўз ўнгимда қад кўтарди, назаримда гўё у қурултой минбарига чиқиб бонг урарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Қўнғироқ, занг; чақириқ. *Суюнчини бер, ҳаммамиз орзиқиб кутган ғалаба бонги чалиняпти!* С. Кароматов, Олтин қум. *Шу пайт бригада шийпонидан теримчиларни тушликка чорловчи бонг эшитилди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

БОНУ [*ф.* بانو – мўътабар аёл, хоним] **1** *эск.* Юқори табақалар, зодагонлар авлодига мансуб аёллар унвони.

2 *кўчма* Мўътабар, эътиборли аёл. *Озар бунда, белорус бор, гуржи, латиш, Қоратегин, Олтойдан не бонулар ҳам.* Мирмуҳсин, Асарлар.

3 Ҳурмат юзасидан аёллар исмига қўшиб ишлатиладиган сўз. *Шаҳрибону, Нигорбону.*

БОНУС [*лот.* bonus – яхши, марҳаматли] *ҳуқ.* Турли хил муносабат билан қўшимча ҳақ (мукофот, қўшимча дивиденд ва б.) тўлаш.

БООБРЎ [бо.. + обрў] *айн.* **обрўли**. *-Ахир Қутидор ҳам боображ одам-да, – деди биринчи киши.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сирож махсум маҳалланинг бообрў кишиларидан эди.* «Шарқ юлдузи». *Сиз понсад, бекнинг маслаҳатдон, бообрў қўрбошиларидан бирисиз.* К. Яшин, Пьесалар.

БООДОБ [бо.. + одоб] *айн.* **одобли**. *Наҳотки, шундай мулойим, боодоб қиз чаккиоёқ бўлса.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Юришинг боодоб, ширин сўз бола.* «Равшан».

БОП [*ф.* باب – лойиқ, мос, мувофиқ] **1** Тўғри келадиган, талаб қилингандек; жуда мос келадиган, муносиб. *Ўйлаб кўрсам, саркотиб одамга шундан боп совға йўқ экан.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Текин бойлик ахтаргунча Ўзингга боп ҳунар топ.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Қиз йигитдан гап кутар, йигит эса у боп гап қидирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Белги-хусусияти ижобий, талаб даражасида, яхши. *Ким минса, шу билар отнинг бопини, Сайис олар илдам отнинг тобини.* «Ҳасанхон».

3 Қўшма сўзларнинг иккинчи қисмида «мос», «муносиб», «тўғри келадиган» маъноларини ифодалайди: *оммабоп, деҳқонбоп, уруғбоп, этикбоп* каби.

БОПЛАБ 1 Бопламоқ фл. рвдш.

2 *рвш. с.т.* Ижросини ўрнига қўйиб, ўринлатиб, ўхшатиб. *Ёрмат.. қочган болаларнинг орқасидан боплаб сўкишни мўлжалладию, лекин қаерда, кимлар ўртасида турганини дарҳол эсига олиб, товушини ҳалқумида бўғди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўшанда ичига ях кўмилган қор билан боплаб туширган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

БОПЛАМОҚ 1 Ижросини ўрнига қўймоқ, кўнгилдагидек қилиб бажармоқ, ўринлатиб бажо келтирмоқ, қойил қилмоқ. *Аммо келин мантини яна боплабди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Хотиржам бўлинг, разрядли устамиз, боплаймиз.* С. Аҳмад, Сайланма. *Чойни ҳам хўп боплаб дамлабсиз-да, Рокия опа.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

2 Фириб бермоқ, панд бермоқ. *-Бопладимми, – деди Набигул кетига қараб, – йилига олти сўм эмиш, олти тийин бермасман!* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

3 Адабини, таъзирини бермоқ. *Боплаб пўстагимни қоқишибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Нишолдани маза қилиб еб ўтирган ҳов ану саллаликни кесак билан боплайми? – деди Маҳмуд.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Э сўраманг, – деди Исломов, – Зиём Вазиров мени боплади.* «Муштум».

БОПТА *шв.* Белги-хусусияти талаб даражасида; тўғри келадиган, муносиб, боп, мос. *Ғанивой жуда бопта иш қипти, бунақа ишни йигитнинг хўрози қилади.* С. Аҳмад, Лочин. *..ойинг билан магазинга чиқинглар-да, етмаганига қўшиб, битта бопта костюм олинглар..* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Ўрнига тайин қилинган кишинглар ҳам бопта тушмабди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

БОР I **1** Қўлда, ихтиёрда ёки умуман воқеликда мавжуд бўлган; мавжуд. *Бор имкониятлардан фойдаланмоқ. Бор кишилар билан иш бошламоқ. Бор маблағларни аниқламоқ.* ▬ *[Отабек] Бир оз кучини йиғиб олгач, ҳиқилдоқни бор кучи билан сиқа бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кесим взф.* Бўлади; мавжуд. *Бугун мажлис бор. Отангиз борми? Кўнгилдан кўнгилга йўл бор.* Мақол. *Ўз дўстим деб сир айтма, Дўстингнинг ҳам дўсти бор.* Мақол. ▬ *Хўш, Содиқ*

полвон, ишлар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор? А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Инсон борки, ҳаммаси орзу-умид, мақсад ва ният билан яшайди.* Газетадан. *Азизанинг тикилиб турган кўзларида даҳшат аралаш ғазаб бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қирқ ўғилнинг орасида бир ёлғиз қиз бор эди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз. *Ҳали тонг отишига анча бор.* С. Аҳмад, Сайланма.

Бормисиз *ёки* **бор экансиз-ку!** Узоқ вақт кўринмай, бедарак бўлиб кетган киши келганда ёки бирор киши кўнгилдагидек иш қилганда, унга хитобан, миннатдор оҳангда ишлатиладиган ибора. *Уста Олим келувчининг истиқболи учун ўрнидан турди: -Э уста Фарфи, келинг, келинг, бормисиз! — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бор бўлинг!** Яшаб юринг, ўлманг (кўпинча «ҳорманг!» сўзига жавобан ишлатилади). [*Давлатёр*:] *-Ҳорманг, ўртоқ муаллим! Элмурод тўхтади: -Ҳа, бор бўлинг, ишлар қалай?* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Э, ҳа, бор бўлинг, ойим қиз, — деди Элмурод, — ишларингиз қалай, ҳеч кўринмайсиз?* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Бойликка, давлатга эга бўлган; бой, бадавлат. *Бор бўлсанг, кўролмайди, йўқ бўлсанг, беролмайди.* Мақол. *Бор мақтанса, топилур, йўқ мақтанса, чопилур.* Мақол. ▬ [*Ёрмат:*] *Ука, бор-борича, йўқ ҳолича, ишқилиб, бир кунимиз ўтиб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Қанча бўлса — шунча, ҳаммаси борича. *Бор гапни айтиб бермоқ. Бор борини ейди, уятсиз орини ейди.* «Қанотли сўзлар». ▬ *Ёввойи чўл буюк кенгликда менга борин очиб ташлади.* И. Раҳмон, Юрак қирралари.

Айтганича (*ёки* **деганича, мақтанганича) бор** Худди айтганидек, шундай деб айтишга (дейишга, мақташга) арзирли. *-Тўйбеканинг мақтаганича борми? -Бор, — деди қутидор, — ..худо кишига ўғил берса, шундайини берсин-да.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қосимжон бойваччанинг уйларига кўп келаман-да, биламан. Арслон, арслон деганича бор.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. **Бор бўйича** 1) бошидан-оёқ; бутун борлигича. *Бор бўйича суратга олмоқ;* 2) *кўчма* тўлиқ равишда, бутунича. *Масалани бор бўйича қўймоқ.* **Бўлса бордир** Балки шундайдир; эҳтимол; шундай бўлса ажаб эмас. *Келган бўлса бордир. Айтган бўлса бордир.* **Жон бор** Асос бор, тўғри. *Бу гапингизда жон бор.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. **Шуниси** *(ёки* **шунчалиги) ҳам борки** Шуни ҳам айтиш керакки.. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки.. *Аммо шуниси ҳам борки, кейинги вақтларда Азизбек Кўқоннинг ёрлиқ ва фармонларини илтифотсиз қолдира бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Эс** *(ёки* **ақл) борида** Вақтни қўлдан бермай, ўз вақтида. [*Юсуфбек ҳожи*:] *Ҳозир сизларга икки йўл бор: ўғил-қизингни сотиб бўлса ҳам, ўттиз икки тангани Азизбек хазинасига тўлаш ёки эс борида этакни ёпиб, Азизбекни орадан кўтариш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қўли бор** Иштироки бор, иштирок этган, қатнашган. [*Мансур*:] *Зуҳранинг йўқолишида бу афандининг қўли бор. Иши терговга берилсин.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

5 3-ш. эгалик қўшимчасини олган отлар билан «бирор нарсага эга» маъносидаги таркибли сифат ҳосил қилади. *Пули бор одам. Қизи бор уй доим саришта.* Мақол. *Ўғли борнинг ўрни бор, Қизи борнинг қадри бор.* Мақол. ▬ *Ҳар бир ақли бор одам қовунга пиёз қўшиб ейиш нотўғри эканини билса керак?* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

6 Риторик сўроқ гапларда «аслида йўқ, мавжуд эмас, топилмайди» каби инкор маъноларини ифодалайди. *Дунёда тўғри яшаб, юртга хизмат қилиб ўтишдан ортиқ бахт борми инсон боласи учун?* Т. Ашуров, Оқ от. *Ахир, инсоф, виждон деган нарса борми сизда?* С. Аҳмад, Юлдуз.

БОР II [*ф.* بار — марта] *кт.* Марта, дафъа, карра. *Бир терининг ичида қўй неча бор семириб, неча бор озар.* Мақол. ▬ *Равшан унинг чеҳрасию чуқур ботган кўзларида илк бор изтироб тантанасини кўрди.* «Ёшлик». *Бу борада Абдуваҳҳоб билан кўп бор маслаҳатлашганди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки соя бор. *Сирасини айтганда, минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БОР III [*лот.* borum, borax < *а.* بورق — танакор; селитра] Менделеев даврий системаси III гуруҳидаги кимёвий элемент. *Минерал сувларнинг шифобахшлиги сабаби уларнинг таркибида.. йод, бром, бор, литий, барий, стронций каби моддалар бўлишидир.* «Фан ва турмуш».

БОРА I [*ф.* باره — марта] *кт.* **1** Марта, карра. *Яраланган Абдулла хумор кўзларини ўз она диёрининг ҳусну жамолига сўнгги бора ташлайди.* Б. Бойқобилов, Алангали юраклар. *Супа устидаги сўри ҳар замон тўрт*

томонга чайқалиб.. тевараккa ҳусайни ғужумларини бир-икки бора узиб ташлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ў.-п. к. қўшимчаси ёки 3-ш. эгалик ва ў.-п. к. қўшимчаси билан келиб, кўмакчи вазифасида қўлланади. *Худди шу борада ўртоқ Нурмуҳамедов билан жанжаллашиб ўтирган эдик.* «Муштум». *-Кўп улуғ иш бўлади, бу борада қўлдан келган ёрдамни дариғ тутмаймиз, — деди мулла Исмоил.* «Муштум». *У деҳқон кўнглига маъқул тушган янги нав борасида сўзларди.* С. Маҳкамов, Деҳқон қувончи. *Албатта, Турсунбой ташаббускорлик ва тасвирий санъат борасида Асадга бас келолмайди.* «Муштум».

БОРА II [*юн.* boreas — шимол шамоли] Денгиз бўйи ҳудудларида қишда тоғ бағридан пастга қараб эсадиган кучли совуқ шамол. *Бора эсганда, ҳавонинг температураси кескин пасаяди..* «ЎзМЭ».

БОРА-БОРА 1 Бормоқ фл. такр. рвдш. *Бора-бора кўз илғамас кенгликларга чиқдик.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 *рвш.* Вақт ўтган сари, борган сари, аста-секин, тобора; кейинчалик, пировардида. *Бора-бора суҳбат жилови унинг қўлига ўта бошлади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Бора-бора фикримга фикр, ақлимга ақл қўшиладигандек бўлаверди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бора-бора Ғойибжон билан иноқлашиб кетдик.* М. Жўра, Изтироб. *Дунёдаги барча нарсалар унутилгани каби, ўша гўдаклик хотираси ҳам бора-бора тонгги тумандай тарқалди-кетди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

БОРАКАЛЛО *с.т. айн.* **баракалла.** ▬ *Боракалло, гўшт тўғрашда сенга етадигани йўқ.* К. Яшин, Ҳамза. *-Муборак, муборак! Боракалло, мирзо Анвар! — деди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БОРАСИДА *кўм. взф. қ.* **бора.** I **2**.

БОР-БУД Бисотдаги бор нарса, мол-мулк, буд-шуд. *Шўро давлати бор-будимни тортиб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Уйига бирон меҳмон, айниқса азиз меҳмон келса, бор-будига кифояланмай, оёғи куйган товуқдай югуради, ўзида бўлмаса, қўшнисиникига югуради.* С. Нуров, Нарвон.

БОРГОҲ [*ф.* بارگاه — подшоҳ саройи, қабулхонаси; подшоҳ чодири] *эск. кт.* Махсус ижозат билан кириладиган жой, подшоҳ ва хонларнинг қабулхонаси. *Рафқон ва Шўрсув даштида душман билан тўқнашувни хаёл қилиб, Рафқон текислигига боргоҳ қурди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Эрта тонгда боргоҳлар йиғиб олиниб, саркарда Амир Довуд барлос олдинда, қўшин яна йўлга тушди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БОРДИ-КЕЛДИ 1 Бир-бириникига бориб-келиб туриш, бориш-келиш, ўзаро яқин алоқа. *Кейин-кейин оилавий борди-келдига ҳам ўтдилар, эски гиналар унут бўлди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Икки томон — ота-оналаримиз орасида борди-келди бошланиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўша вақтларда Зокир Фаридани унутиш учун Лола билан борди-келди қила бошлаган эди. Очил буни кўриб, тутаб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Бирор манзилга бориб, ундан қайтиб келишгача бўлган масофа. *Ҳозир борамиз, борди-келдиси машинада бир ярим соатлик йўл.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

3 *кўчма* Турмушда учраб турадиган майда-чуйда, икир-чикир ташвишлар, машаққатлар. *Эргаш ҳали гўдак эди, дунёнинг борди-келдисини билмас.. эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Юнусали ота шу кунгача уларнинг борди-келди гапларига аралашмай, чидаб келарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

БОРДИ-Ю *шарт. боғл., с.т.* Мабодо, агар, башарти. *Борди-ю, ҳеч нарсага эриша олмасак, режа бузилади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *..кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди: «Борди-ю, шу бўлса-чи?»* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БОРДОН [*ф.* باردان — катта хуржун] **1** Қобиғи олинмаган қамишдан бўйрага ўхшатиб тўқилган қалин, дағал тўшама. *Қамишдан уй-рўзғор учун бордон ва бўйра тўқишади: меваларни қуритишда фойдаланилади.* М. Тўйчиев, Қамиш. *Низомжон бордонни шитирлатмай, оҳиста кийиниб, чодирдан чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Катта кўчани кесиб ўтадиган ариқ бўйида сершох тол тагига сув сепиб, бордон тўшаб қўйилган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай тўқимадан тайёрланган махсус қоп, идиш. *Бир бордон буғдой.* ▬ *Ўч олишнинг моҳирисан танқид этган кимсадан, Шахсият дони қуйилган ё чувуқ бордонмисан?* Ж. Абдулла, Кимсан?

БОРДОНДАЙ, -дек *с.т.* Бордон (қоп) сингари, семиз, гавдали одам ҳақида. *Бордон-*

дай хотин. ▬ *Рўзғорни қўлингга олиб, бордондай семириб ўтирасанми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Сариққина, чилтондай ориққина қизингни бордондай семиртириб юборади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БОРДОНЧИ Бордон тўшама ёки қопни тўқувчи уста. *Ҳамма айб бордон тўқийдиган устада. Агар бордончи сийрак тўқимаганда, бундай аҳвол бўлмас эди.* «Муштум».

БОРЖОМ[И] [*груз.* Грузиянинг Боржоми шаҳри номидан] Шифобахш минерал сув. *Зардаси қайнаган кишиларга бир озгина сув ёки боржом берилса, ошқозон суюқлигининг кучини камайтириб, енгиллик келтириши мумкин.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

БОРИ Ҳаммаси бўлиб; бор-йўғи; атиги, бўлгани. *Айтадиган гапингнинг бори шуми?* Сўзлашувдан.

БОРИБ-БОРИБ 1 Бормоқ фл. такр. рвдш.

2 *рвш.* Охири, пировардида, пировард-натижада. *Саид бориб-бориб ўша уй бекаси Малоҳатга уйланган.* А. Мухтор, Чин муҳаббат. *Бориб-бориб ўз маҳалламизнинг болалари ҳам мени келгинди, деб ўйинга қўшмайдиган бўлишган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БОРИ-ЙЎҒИ *қ.* **бор-йўғи.** *Бори-йўғи кафтдек келадиган эски ошхонанинг томини қайта ёпиш учун нари бориб, бери келдим.* «Муштум».

БОРИНГКИ *крш с.* Хуллас, қисқаси. *Боғда олма, узум .. борингки, йўқ нарсанинг ўзи йўқ.* ▬ *Бегим.. сизда виждон, инсоф, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, борингки, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОРИЧА *рвш.* Борига қараб; борига яраша; имконияти доирасида, қўлдан келганча, борини ишга солиб. *Бор — борича, Йўқ — ҳолича.* Мақол. *Ҳар ким борича полвон.* Мақол. ▬ *Кучим борича дарвоза томонга югурдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *У ўзини имкони борича бепарво тутишга ҳаракат қилди.* Т. Ашуров, Оқ от.

БОРИШ-КЕЛИШ 1 Бир бориб, қайтиш. *Қишлоғимизга бориш-келиш — олтмиш километр.*

2 Ўзаро яқин муносабат, ўзаро алоқа; борди-келди. *Қариндошлар билан бориш-келишингиз борми?* ▬ *Мулла Тураб.. ҳеч бир киши билан бориш-келиш қилмас экан.* С. Айний, Эсдаликлар. *..ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар нечалаб довон ошиб, бориш-келиш қилиб турганлар.* Газетадан.

БОРИШЛИ-КЕЛИШЛИ *фольк. айн.* **бориш-келиш.** *Боғбон бўлиб қизил гулин терайик, Боришли-келишли бўлиб юрайик.* «Ёдгор».

БОР-ЙЎҒИ 1 Бисотида, ихтиёрида бўлган ҳамма нарса; бойлик, буд-шуд. *Қумда таланиб, бор-йўғидан ажралган кичик карвон сочилган нарсаларни йиғиб, отларни эгарлаб, араваларга қўшишга ҳозирлик кўрди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бечоранинг бор-йўғи, пешонасидаги боласи шу — бизнинг келинимиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Дараги, борлиги ёки йўқлиги. *Бор-йўғини билмайман, Бол тилайди томоғим.* Мақол. ▬ *Қанча элат Бойсиндан кетди. Шунча вақтдан бери бор-йўғи маълум бўлмай ётган..* «Ёдгор».

3 Ҳаммаси бўлиб; атиги, фақат. *Ҳа, дарвоқе, чўпон-чўлиқлар қишлоғи бор-йўғи ўн икки хонадонли қишлоқ.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Томонларнинг келишувига мувофиқ, бор-йўғи олти партия ўйналиши керак эди.* «Гулдаста». *Биз бор-йўғи уч жонмиз, уч коса етади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БОРЛАМОҚ I Пўлат ёки бошқа металлдан тайёрланган буюмлар сиртини борга тўйинтирмоқ. *Борлаш натижасида буюм сирти қаттиқлашади, иссиққа ва ейилишга чидамлилиги ошади.* «ЎзМЭ».

БОРЛАМОҚ II *шв.* Хабар олмоқ, ҳол-аҳвол сўрамоқ.

БОРЛИК 1 Бор бўлишлик, мавжудлик. *Пул борликка бор-у, оз-да.* ▬ *Бир парча ерларинг борлигини эшитар эдим, қўлларингдами?* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабек Зайнабнинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи марта билар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аскарлар деворни уриб, орқасида ҳавол ер борлигини билди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тавба, хўп аломат одам-да. Бу кўтир дунёда шунақа одамохунлар борлигига ҳеч ақлим етмайди. Бор экан-да!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Бойлик; тўқлик. *Борликдан мақтанма.* Мақол.

БОРЛИҚ 1 *флс.* Инсон онги ва сезгисидан ташқаридаги объектив дунё, олам, мавжудот. *Аҳмад кўчага чиқди. Кун иссиқ, борлиқ лов-лов ёнарди.* Ф. Мусажонов, Ҳим-

мат. *..чўл ҳам, бутун борлиқ ҳам ноз уйқуда ётгандек.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Интилар борлиқни инсон Баркамол этмоқ учун, Не ажаб, инсонни борлиқ Баркамол этган эмас.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Кишининг вужуди, жисми, туриш-турмуши. *Борлиғим муҳаббатингиз алангаси билан туташгани ҳолда завжингиз Отабек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Оғриқ унинг бутун борлиғини чулғарди.* «Ёшлик». *Дарё ёқасида ўтириб, бутун борлиғи билан қўшиқ айтаётган қизга кўзим тушди.* «Шарқ юлдузи». *Борлиғидан совуқ тер қуйилиб кетди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

3 Барча, ҳамма, бутун. *Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганнинг устига чиқиб тепиш» қабилидан бўлган бу ҳаракатидан тутуни кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўкади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОРМОҚ 1 Сўзловчининг турган жойидан узоқлашмоқ, нари кетмоқ; бирор жой (манзил)дан иккинчи жой (манзил) томон ҳаракат қилмоқ, йўл олмоқ; наридаги бирор манзилга етмоқ. *Ҳозир институтга бораман.* ▬ *-Нима бўлди сизга, қаёққа борасиз? — Марғилонга..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Боринг, Насибани мактабдан айтиб келинг, иссиғида бора қолайлик.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Сидиқжоннинг назарида, агар [Шарофат] шу кайфиятида кетса, шу ердан борибоқ, жўрттага бир бўйни йўғонга тегадиган.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Шу ердан.. Шайҳонтовургача қанчада борасиз? — Кўз очиб юмгунча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эртасига у мактабга бормади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Умуман, бирор йўналишда, йўлда нари томон ҳаракат қилмоқ, илгариламоқ, узоқлашмоқ. *Поезд.. бепоён саҳродан борар эди, эртасига эрталаб бирор соатга яқин тўхтаб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қизни излаб, узоқ боргач, унинг кўчасида тўхтади.* Ойбек, Нур қидириб. *Биз олға бораверамиз..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

3 Жўнатилган, тарқатилган жойидан, манбаидан наридаги, мўлжалдаги жойга етмоқ (овоза, гап, хат-хабар ҳақида). *Сиздан бир марта ҳам хат бормади.* ▬ *Бу гаплар амирзода қулоғига бориб етганига асло шубҳа қилмаса ҳам бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бўтабой ўйлаб туриб: -Бизнинг қишлоқдан ҳам маълумот борган экан-да, а? — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Бирор транспорт воситаси билан нари томон юрмоқ, силжимоқ, узоқлашмоқ. *Автобусда бормоқ. Самолётда бормоқ.* ▬ [*Қурбон ота*:] *-Наманганга машинада борсангиз, у ёғи яқин, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Бирор жой, объект ёки шахс томон йўналмоқ, ўша жойда ёки шахс ҳузурида бўлмоқ; ташриф буюрмоқ. *Тўйга борсанг, тўйиб бор.* Мақол. ▬ *Тағин бир марта Талъатнинг олдига боришига тўғри келади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Юсуфжон Ғиёсов ўрнидан туриб, дераза ёнига борди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Амаллаб яқин борганида, бахт деган ўша нур яна бир олам нарига кетиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ғуломжон ҳокимни кутгани бормади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бирдан уйига, болаларининг олдига боргиси келди.* С. Аҳмад, Уфқ.

6 Доимо бир йўналишда юрмоқ, қатнамоқ. *Ишга бормоқ.* ▬ *Ғижим рўмол тўқийман, Мактаб бориб ўқийман.* «Қўшиқлар».

7 Ўз иши, фаолиятида ёки тараққиёт жараёнида бирор йўлдан кетмоқ, бирор йўналишда ҳаракат қилмоқ. *Ўзбекистон демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда.* ▬ *Чин инсон, ёмонлар бўҳтон қилганда ҳам, тўғри йўлдан адашмай бораверади.* Газетадан. *Улар ўзларига, ўз ерларига, ўз уйларига ҳаёт, сув келтириш учун.. курашга борадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

8 Қўйилмоқ, кўрсатилмоқ (спектакль, томоша ва ш.к. ҳақида). *Кинотеатрда янги фильм бораётир.*

9 Давом этмоқ, бўлмоқ, кетмоқ, ўтмоқ, кечмоқ (иш, суҳбат, вақт ва ш. к. ҳақида). *Қизғин баҳс бормоқда. Гап ёш мутахассислар ҳақида борди. Кунлар кетидан кунлар борар эди.*

10 *с.т.* Сиғмоқ, бемалол кирмоқ. *Тахта қаттиқ экан, мих бормаяпти. Этик оёғимга бормаяпти.*

11 Сони, миқдори, катталиги жиҳатидан маълум юқори чегарага, даражага етмоқ, эришмоқ. *Қўйлар сони беш юзга борди. Хонанинг узунлиги тўрт метрга ҳам бормайди.* ▬ *Одамда мия пўстлоғининг сатҳи, ўртача олганда, 1250 кв. см. бўлиб, отда 350 кв. см. га ҳам бормайди.* «Анатомия».

12 Давом этиб, ривожланиб, бирор даражага етмоқ, бирор оқибатга келмоқ. *Аҳвол шунгача борди.* ▬ *Отабек ёрилиш даража-*

сига бориб қайтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир ўзингиз кучанганингиз билан узоққа бора олмайсиз.* С. Сиёев, Ёруғлик.

13 Ўтиб, кечиб, муайян паллага, вақтга етмоқ (вақт ҳақида). *Тонг отарга бориб, кўзи ёриди.* ▬ *Кўчаларда найзабозлик жанги бошланиб кетди.. ярим кечага борганда, икки томон аралашиб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бемор яна кўзини юмди, шу юмганича очмади — саҳарга бориб узилди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

14 Маълум ёшга кирмоқ, етмоқ. *Солиҳ Махдум ўттизга борганда, мактабдорлиги ҳам яхшигина шуҳрат топади..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Дўппифуруш — элликка бориб қолган одам.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Катта — ўгай қайнона, ёши олтмишларга борган, семиз, забардаст, димоғдор кампир эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

15 Етакчи феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг: а) даражама-даража ривожланишини, кучайиб ортишини билдиради. *Қор ва шамол кучая борди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозир косиб билан деҳқоннинг сабр косаси тўлиб боряпти.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ғазал интиҳосига етган сари Авазнинг чеҳраси ёришиб борарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Серқуёш ўлкамиз халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати туфайли тобора гўзаллашиб бормоқда.* Газетадан. *Душман танг аҳволда қолган, қуршов ҳалқаси тобора торайиб борарди.* Газетадан; б) давомийлигини билдиради. *Нима бўлса ҳам, теварагидаги кўклам безакларини кўздан кечира борадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мастон уни орқасидан суяб борди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Матқовул ака одамлар орасидан аста ўтиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; в) тугалланганлигини билдиради. *Зайнаб жуда ишонган ҳолда ўз уйига етиб борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёнбошдаги хонани тақиллатмасдан кириб борди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Уч кун деганда шаҳарга кириб бордим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

16 Жўналиш келишиги шаклидаги айрим мавҳум отлар билан ишлатилади ва маъносига кўра бош келишик шаклидаги айни шундай отлар билан келган «қилмоқ» сўзига тўғри келади, мас.: *андишага бормоқ — андиша қилмоқ.* ▬ *Тоҳиржон болалигига бориб, тихирлигини қўймади.* Н. Мақсудий, Умидли бола. *Жувон бу гапни ҳазил аралаш айтдими, чин айтдими — Сидиқжон фарқига бормади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бўтабой ҳовлидаги супада чалқанча ётиб, минг хил хаёлларга боради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Келганим унга ёқмади шекилли, деган андишага ҳам борди.* Ойбек, Танланган асарлар.

17 Қўшма феъл таркибига киради, мас.: *бориб етмоқ, бора келмоқ.* ▬ *Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнининг боласи югуриб кириб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Олиб бормоқ 1) бошлаб, йўл кўрсатиб, бирга бормоқ. *Жўнар олдида Ўрмонжон Сидиқжоннинг қулоғига: -Меҳмонларни бизникига олиб бор, мен орқалирингдан етиб бораман, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) элтмоқ, элтиб бермоқ. *Бу нарсаларни уйга олиб бор.* ▬ [*Йўлчи*] *Анча ергача кузатиб, уни [Ёрматни] турмага олиб боришларини англагач, ноилож орқага қайтди.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) узатмоқ, чўзмоқ. [*Отабек*] *Эшик занжирига қўлини олиб боргани ҳолда, ўйланиб тўхтади ва эшикни очмай, орқасига қайтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 4) бирор даражага, чегарага етказмоқ. *Биринчи квартал режасини 150 фоизга олиб бордик*; 5) бошқармоқ. *..Эргаш Ҳамроқулов раислик қилиб, мажлисни олиб бормоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи; 6) мунтазам равишда амалга оширмоқ, ўтказмоқ. *Иш олиб бормоқ. Тажриба олиб бормоқ.* ▬ *Одамларнинг ўт кечиб, сув кечиб олиб борган курашлари натижасида турмушлари қандай ўзгарганлигини кўрсатмоқчи, холос.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

Бориб турган Бирор белги-хусусиятнинг ортиқлигини ифодалайдиган ибора. *Бориб турган ёлғончи.* ▬ *Мен бўлсам, отам бориб турган камбағал бўлгани учун, у ўртоғимга узил-кесил жавоб қила олмасдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Борса келмас** *фольк.* Борган одам қайтиб кела олмайдиган, жуда хатарли афсонавий жой. *Энди унинг зўравонлик қиладиган замони борса келмасга кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уч кун ичида уста Юнуснинг авзойи ўзгариб.. табибнинг берган дориси ҳам кор қилмади шекилли, борса келмас сафарга отлангани ростга ўхшаб қолди.* С. Абдулла, Соялар. *..аллақайси гўрга, «борса келмас»га узатилган экан.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Нари борса** *қ.* **нари. Ой бориб, омон кел** *қ.* **ой. Пичоқ бориб суякка тақалди** *қ.* **суяк. Тил бормайди** *қ.* **тил 2. Оғиз бормайди** *айн.* **тил бормайди.** *Кумушнинг*

«йўқ» дейишга оғзи бормай, «майлингиз, оғир бўлмаса», деб жавоб берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғози ўзи гапиришга оғзи бормай, «сен гапир» дегандек, Умаралига қаради.* И. Раҳим, Ихлос. **Юрак бормайди** Юрак бетламайди, юрак безиллайди. **Қайга борай?** Нима қилай, қаердан ва нимадан нажот топай? *Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога?* Мақол. **Қўл бормайди** *қ.* **қўл.**

БОРОНА [*умумславянча*: бор – кесиш] Ҳайдалган ернинг юза қисмини текислаш, кесакларни майдалаб, қатқалоқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик қуроли; сихмола. *Дискли борона. Тиркама борона. Борона қилмоқ.* ▬ *Плуглар орқасига тиркалган бороналар.. ханжар тишлари билан кесакларни чайнаб.. борарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Аввалги йиллар Кенжабой ака боронани серунум ва сифатли қиладиган мола ўйлаб чиқарган.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

БОРОНАЛАМОҚ Ҳайдалган ерни борона билан юмшатмоқ, текисламоқ, моламоқ. *Эртага бороналаб, енгил мола орқасидан тракторда экавериш керак.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Бороналаш билан бир вақтда тупроққа маҳаллий ўғит ҳам солиб кетилди.* Газетадан.

БОРТ [*нем.* Bord *ёки* Borte – чекка, ён] **1** Кема, космик кема, юк машинаси, самолёт ва ш.к. нинг ёни, ён девори. *Машина шитоб билан тепаликка тирмашиб, оғир юкдан бортлари бетиним ғичирлаб бормоқда.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Тўрабек бортга суяниб ўтирган еридан алам билан тўлғаниб қўйди.* М. Мансуров, Ёмби. *Бортига «гўшт» деб ёзилган машина ўқдай учиб келди-да, омборхона олдида тўхтади.* Газетадан.

2 Келишик аффикси билан келган шаклларда самолёт, кема ва ш. к. нинг ичи маъносини билдиради. *..«Восток» космик кемаси бортидаги одам билан космосга кўтарилди.* «Келажакка парвоз». *Кема бортига ўрнатилган ҳамма асбоблар ва системалар аниқ ва пухта ишламоқда.* Газетадан.

БОРТМЕХАНИК [борт + механик] Учиш аппарати (самолёт, космик кема ва б.)га ўрнатилган асбоб ва ускуналарни ишга солиб, назорат қилиб борувчи шахс. *Бортмеханик шунчалик қистаса ҳам, Жумабой ўзини шамолдан четга олишни истамасди.* «Ишчилар».

БОРТПРОВОДНИК [борт + проводник] Жамоа транспортида (самолёт ва б.) йўловчиларга хизмат қилувчи шахс. *Галина Азизова Тошкент реактив самолётлар бўлинмасида беш йилчадан бери бортпроводник бўлиб хизмат қилади.* Газетадан.

БОРШЧ [*р.* борщ –доривор ўт; лавлаги солинган ёвғон шўрва] Лавлаги, карам ва бошқа сабзавот ҳамда резаворлар, гўшт солиб пиширилган суюқ овқат; карам шўрва тури. *Жумладан, шу кунларда боршчнинг мавсуми, бунинг учун харидор дўконга келганда, карам, лавлаги, қизил сабзи, томат, пиёз ва турли резаворларни олиши керак.* Газетадан.

БОСА-БОСА *такр. с.* **1** Оёқ билан қайта-қайта эзиб, мажақлаб; оёғости қилиб. *Боса-боса талқон қил, майда-ё, майда, Босган еринг талқон қил, майда-ё, майда.* «Бойчечак». *Туркманлар.. устма-уст ҳамлалар билан олдинги қисмларни боса-боса силжиб келар эдилар.* Ойбек, Навоий.

2 Тинмай, тўхтовсиз. *Боса-боса юринглар, Бод бўлсин жонивор.* «Бойчечак». *Пишқириб машиналар, Боса-боса ҳарсиллар.* Қ. Муҳаммадий.

БОСАБОТ [бо.. + сабот] Ўз сўзида, қарорида мустаҳкам турувчи, собитқадам, саботли. *Бетимсол талатўпда Музаффару босабот, Ўзбек яна дўпписин Қиялаб қўндирибди.* А. Орипов. *Эй, менинг давроним, ўзинг босабот, Кўкда ҳам кўкрагинг кериб турибсан.* А. Орипов.

БОСАР-ТУСАР: босар-тусарини билмай қолмоқ 1 Ҳаддан ташқари мағрурланиб, кеккайиб кетмоқ, манманлик қилмоқ; ҳеч нарсани назар-писанд қилмай қўймоқ. *Ҳасанча, анави Сойиб танбурчига ўхшаганлар «хўжайин-хўжайин» дейишавергач, босар-тусарини билмай қолди.* С. Маҳкамов, Шогирд. *Икки оғиз ширин гап эшитса ёки учта-тўртта янги кўйлаги бўлса, босар-тусарини билмай қоладиган қизлар ҳам бор.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

2 Ҳовлиқмоқ, шодликдан ўзидан кетмоқ. *Ҳабиба кечадан бери босар-тусарини билмай, зиёфат тараддудини кўрмоқда.* Ҳ. Назир, Очерк ва ҳикоялар. *Умиднинг чеҳраси очилиб, хурсанд бўлиб кетганидан, босар-тусарини билмай қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

БОСАФО *айн.* **сафоли.** Хурсандлик, шодлик кайфиятини туғдирувчи, ҳузур ба-

ғишловчи. *Сайр этгали боғ босафо, Ёр келур, жононим келур.* «Қўшиқлар».

БОСВОЛДИ Шакли тухумсимон, сирти сал тилим-тилим, олапўчоқ, тўрсиз, эти юмшоқ, ширин ўртапишар қовун нави. *Бу босволди, бу чала пишган бегимсуйди.. бу бир ёнига офтоб тегмаган қизилуруғ, деб бехато айтавераман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Қуёш ботиб, салқин тушди. Полизнинг тароватли, ҳандалак, босволди бўйини уфурган файзли оқшоми бошланди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Салқин ҳавода чўгири, босволдиларнинг ёқимли ҳиди анқирди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

БОСДИ-БОСДИ *айн.* **бости-бости**. *..бирорта ҳам жавобгарликка тортиладиган шахс топилмади, иш босди-босди бўлиб кетди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Хотиржам бўлинг. Ҳаммасини босди-босди қилиб юбордим, бу ёғининг ҳам эҳтиётини қилиб қўйдим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Кўнгилсиз воқеа шундай қилиб босди-босди бўлиб кетгандек эди-ю, бироқ орадаги муносабат борган сари кескинлашиб борди.* А. Мухтор, Чинор.

БОСИБ-БОСИБ *такр.с.* **1** Кўп-кўп, тўлдириб-тўлдириб. *Биттасидан бир қоп олма олар эдим, Анорлардан босиб-босиб солар эдим.* А. Мухтор, Асарлар. *Ичмайман деганимга қарамай, босиб-босиб бераверdiларинг, эшикка чиқсам, кўнглим айниди.* Ғайратий, Ёшлигимиз. *Бўтани тезроқ бадном қилайлик десангиз, ҳозир чолга босиб-босиб ичирасиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Валихон кайфини тарқатиш учун босиб-босиб кўк чойдан ичди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Тез-тез, пайдар-пай, қониб-қониб. *Рангсиз йигит эса нима деб жавоб қиларини билмай, қўлидаги аччиқ чойни босиб-босиб ҳўплай бошлади.* «Шарқ юлдузи». *Поезд жўнаш олдидан босиб-босиб қичқирди.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

БОСИЛДИРИҚ *фольк.* Тинчлик сақловчи, осойишталик посбони. *Шўрим қурсин, тўрамдан айрилиб эдим, отамдан ҳам айрилдим, ёмон бўлса ҳам, элнинг босилдириғи эди.* «Ойсулув».

БОСИЛМОҚ 1 Босмоқ 1–7, **10–13**, **16–17**, **21**, **24** фл. мажҳ. н. *Тепки босилди. Минг километр йўл босилди. Мақола босилиб чиқди. Оғир босилгунча, енгил кўтарилар.* Мақол. ▬ *Қинғир-қийшиқ сертупроқ кўчанинг ҳар ер-ҳар ерида пастак, томига пичан, беда босилган уйлар.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Э, унгача уруш ҳам босилади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Ўлтиринг, ўлтиринг, меҳмон! — деди уста Фарфи, — ошга сабзи босилди-пишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уч ойдан сўнг роман «Ёлқин» журналида босила бошлади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Исфандиёрнинг муҳри босилган қоғоз таъсир қилдими, оломоннинг шашти пасайди.* С. Сиёев, Аваз. *Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб, узоқ юрди.* Ойбек, Навоий.

2 Босмоқ 5, **16–17**, **23** фл. ўз. н. *Оғриқ босилди. Оёғимнинг қалтироғи энди босилди.* ▬ *Бош оғригингиз босилмаса, бир-икки кун ишга чиқмасангиз ҳам майли.* С. Аҳмад, Сайланма. *Даҳлизда бир пиёла совуқ сув ичди. Юраги куйгани босилмади шекилли, яна қуймоқчи бўлди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Тўзон босилар-босилмас, бир эшикдан кетмон, чўкич, болта кўтарган кишилар чиқиб қолишди.* «Гулдаста». *-Билмадим-билмадим,— деб қўйди доктор ҳамон таажжуби босилмай.* К. Яшин, Ҳамза. *Ғовур босилди. Бир лаҳза жимликдан сўнг, кулги кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *-Кўнглингиз босилдими? — Кумуш жавоб ўрнида ёстиқдан қўзғалди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Йўталим босилди, ойи, — деди Пўлат Хайрини юпатиб.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

3 *кўчма* Тартибга тушмоқ, сиполашиб қолмоқ, вазминлашмоқ, қуйилмоқ, тийилмоқ. *-Анча босилиб қолган, ҳаётига қайтган йигитимиз шу бўлади, — деди Исмоил.* Газетадан.

БОСИМ I *физ.* Бирор жисм юза бирлигига тик йўналишда таъсир қиладиган бошқа кучни ифодаловчи физик катталик. *Қон босими. Атмосфера босими.* ▬ *Бир миллион атмосфера босимида темир ҳажми, тахминан, 30 фоизга камаяди.* «Фан ва турмуш». *Жаҳл чиққанда, бош мия мушакларининг таноби тортилади, қон томирлари сиқилади, ички қон босими ошиб кетади.* «Саодат».

БОСИМ II *рвш.* Тин олмай, тўхтамай, сурункасига. *Жамила қизи билан олти кун босим ўтириб тиккан тагдўзи дўппиларини сотгани кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Рихсивой ака ҳосилотлик вазифасидан олингач, уч кун босим қишлоқда кўринмади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Уч кундан бери босим чап кўзим учар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

БОСИМ III *шв. фольк.* Устун, баланд; афзал. *Босим келмоқ.* ▬ *Бизлардан [парилардан] одамнинг сулуви босим келади.* «Балогардон».

БОСИМ IV *эск. айн.* **урғу.** *Китобни эса, русча тез ва босимларини жойига қўйиб ўқий билгани учун, Саидий ўқиши керак эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бундан ташқари, баъзан сўздаги босимнинг ўрни атайин алмаштирилиб..* «Адабиёт назарияси».

БОСИМЛИ *физ. сфт.* Бирор босимга эга бўлган. *Бизнинг заводимизда баланд босимли, пухта буғ қозони қурилди.* Газетадан.

БОСИНҚИ *сфт.* **1** Сунъий равишда, атайлаб пасайтирилган; паст, бўғиқ. *Идоранинг ҳовлисида ўн чоғли одам нима тўғридадир босинқи товуш билан сўзлашиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қатор кетган аудиториялар ёпиқ, ичкаридан босинқи ғовур эшитиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Гавҳар қўшни хонада акасининг босинқи овозда ғўнғир-ғўнғир гапирганини, аячасининг кулганини эшитиб, девор томонга ўгирилиб ётди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Оғир, ларзага солувчи. *Йўқ, йўқ, туш, даҳшатли, босинқи туш.* Э. Аъзамов, Жавоб.

БОСИНҚИЛИК *айн.* **босиқлик.** *Жобирнинг бояги ҳолати йўқолди, номуслари келди, энди кулги билан эмас, босинқилик билан енгмоқчи бўлди Қўшоқни.* Ҳ. Шамс, Душман.

БОСИНҚИРАМОҚ Ёмон туш кўриб безовта бўлмоқ, қўрқмоқ, уйқу аралаш гапирмоқ, алаҳсирамоқ. *Бойвучча ойи босинқираб, уйғониб кетди.* «Шарқ юлдузи». *Ўша кеча Элчиев яна ухлаёлмай, алаҳлаб, босинқираб чиқди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Бир бинокор инженер уйқусида босинқираб, сапчиб ўрнидан турди.* «Муштум».

БОСИРИҚ I **1** Ёмон туш, даҳшатли туш. *Урушда кечирганлари қора босириқдай, баъзан хотирадан ўтажак.* Ойбек, О. в. шабадалар. *..бирдан паришон хаёллар қуюнидан, оғир босириқдан қутулгандай қичқирди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма* Даҳшат, хавф, қўрқинч. *..қаёққа кўз юритсанг, уччига чиққан қашшоқликнинг, забунликнинг босириғи худди чуқур ўпқондай ютаман деб турибди.* «Шарқ юлдузи».

3 *шв.* Ёпиқ, от ёпиғи. *Мирохўр юганлаб Ғиротни, босириқ жулини шипириб тортди.* «Нигор ва Замон».

БОСИРИҚ II *шв. айн.* **босим** II.

БОСИРИҚ III Босилган, топталган, эзилган, янчилган. *Нари тур-бери тур қилиб, беш-олти киши отга босириқ бўлганни ўртадан олиб чиқдилар.* А. Қодирий, Улоқда. *Қушбеги билан мен гўё тоғ остида босириқ бўлган эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОСИРИҚМОҚ *шв. айн.* **босинқирамоқ.** *..шундай қўрқаманки, эсласам босириққандай бўламан.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БОСИРҚАМОҚ *шв.* Босинқирамоқ. *Иситмаси баланд, босирқаяпти.* ▬ *Нуқул Миша билан гаплашади, гоҳида босирқаб кулади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БОСИШМОҚ **Босмоқ 1-7**, **9-14**, **16**, **18-19**, **24** фл. бирг. н. *Ямоқ ишлари сийраклашгач, ювилган кийимларга дазмол босишди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кўйлакнинг тоза еридан йиртиб олишди-да, қон оқимини тўхтатадиган дори шимдириб, ярага босишди.* «Ёшлик».

БОСИҚ **1** Босиғлиқ, босилган; эзилган; пачоқ бўлган.

2 Чеккага ёки пешонага туширилган (бош кийими, дўппи ҳақида). *Беқасам тўн, қўш шоҳи қийиқ, Тус дўпписи манглайда босиқ.* Ойбек.

3 Ўзини тута биладиган, оғир, вазмин; сипо. *Ўшаларнинг гапи гап. Сенам, укам, ловиллаб кетмагин-да. Ҳа, босиқ бўл!* С. Анорбоев, Оқсой. *Миржалил ўттиз етти ёшларга кирган, анча босиқ, оғир йигит.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Тилак поччам босиқ йигит.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ойсанам — босиқ табиатли, камгап, иффатли жувон.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

4 Босинқи, вазмин; салмоқли, салмоқдор. *Босиқ, лекин таъсирчан сўзламоқда эди.* «Шарқ юлдузи». *Аҳмад ўспиринлар томонга ўгирилди. Босиқ овоз билан гапирди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Заргаровнинг паришонлигини пайқаган Зиёда шўхликни қўйиб, босиққина хайрлашди.* А. Мухтор, Асарлар.

Босиғи билан Вазминлик, босиқлик билан; тушунтириб, ётиғи билан. *Валижон ака.. кейин босиғи билан гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. -*Матқовул ака, мен нон топармиканман деб, қорин ғамида мактаб очганим йўқ, — деди у босиғи билан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 Япасқи, ялпоқ; пучуқ. *Бурнини жийирганида қалин лаби босиқ бурнига тегай деб кетади.* «Муштум».

БОСИҚЛИК Вазминлик, осойишталик, ўзини тутиб олганлик. *Маҳкамнинг босиқлиги.. уни Очилга нисбатан бир неча ёш катта кўрсатарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ашуралининг овозидан босиқлик йўқолди, қалбига ғазаб тўлди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Рашид ота паст, ширали овозда, кексаларга хос босиқлик билан куйларди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

БОСИҒЛИҚ Устма-уст тахлаб, босиб қўйилган. *Тахмонда босиғлиқ кўрпалар турибди. Омборда дони босиғлиқ, камчилиги йўқ.*

БОСМА 1 Босмахонада босилган, чоп қилинган, нашр этилган. *Қўлёзма ва босма асарлар.* ▬ *Мустақиллик даврида босма маҳсулотлар янада кўпаяди.* Газетадан.

Босма лист *қ.* **босма табоқ.** *Туроб аканинг ҳамма ёзган асарлари 150 босма листга яқин тўпламни ташкил этади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. **Босма машина** Китоб, газета, журнал, рисола, плакат ва б. матбаа маҳсулотлари чоп этиладиган машина; босмахона машинаси. **Босма табоқ** Нашрнинг ҳақиқий (амалдаги) ҳажми ўлчов бирлиги бўлиб, бичими 60 x 90 см бўлган қоғоз варағининг бир томонидаги нусхани ташкил этади. **Босма ҳарф** 1) босмахона ҳарфи; 2) босма асарларда қўлланадиган ҳарф.

2 *от. эск. айн.* **нашр.** *Эҳсон стол устида ётган бир китобчани Саидийнинг олдига сурди: -Буни кўрдингизми? Иккинчи босмаси.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Адабий ходимнинг асосий вазифаларидан бири — материални таҳрир қилиб, босмага тушириш.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *-«Истеъдод» нима дегани-а? Ҳеч тушунмадим-да шу гапга, — деди Ҳусниддин. Муса яқиндагина босмадан чиққан, ҳеч қўлидан туширмайдиган луғатни олди-да, тез варақлаб топди: -«Талант» — деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Босмага тайёрлаш Қўлёзмани босиш, нашр этиш учун тайёрлаш.

3 *айн.* **босмахона**. *У Хевада босма очиб (1874 йил), кўп китоблар бостирган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 Нашриёт, ношир, нашрчи. *..Сен Отажон босма билан бир сўллаш. Тошбосмада Авазнинг шеърларини чоп этиб, нусхасини кўпайтирсин.* С. Сиёев, Аваз.

5 Каштачиликда кенг тарқалган яхлит гул-чоклардан бири. *Айвонда босма гулли бўз кўрпа ёпилган пастаккина танчада қизлар ўтирарди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Босма тиккан ботир қиз, Жамалай тиккан чевар қиз.* «Бойчечак».

6 Жундан тайёрланган, тикилган (мато ёки уст кийим ҳақида). *Босма чакмон. Босма кигиз.* ▬ *Босма чакмонни ечиб, сандалга оёғини тиқди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

7 Кулолчиликда сопол идишларни безашда қўлланадиган гул нусхалари.

8 Сиёҳни шимиб қуритадиган қоғоз ва шундай қоғоз ўрнатилган асбоб. *Жалғаш Нуримбетов ғазаб билан кириб, Пошшохон Мадраҳимованинг бошига сиёҳдон ёнидаги сўлоқмондек босма тош билан туширди.* «Муштум».

9 Босқин, босқинчилик. *Ҳамма ўғри, каллакесар, ялангоёқларнинг бошида Акбарали ўзи туради! Кечалари йигитлари билан босма қилади!* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

БОСМАХОНА Босма асарлар чоп қиладиган корхона; матбаа, типография. *Босмахона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Тошкентдаги Икромов номидаги босмахона адабий тўгараги ишининг боришини суриштирдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БОСМАЧИ 1 Бировларнинг мол-мулкини таловчи шахс, босқинчи, босқинчилик қилувчи; бандит. *Иби, мен ўлай, сен ҳам босмачи бўлдингми?* С. Айний, Қуллар. *Бир неча марта йўлтўсарлар ва босмачилар қўлига тушишига сал қолди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 «Босмачилик» ҳаракатининг иштирокчиси, қатнашчиси. *Абдужалилбой мулла Обидга аниқ босмачи сифати билан баҳо берди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БОСМАЧИЛИК 1 Зўравонлик ва босқинчиликка таянувчи ҳаракат; босқинчилик, ўғрилик, бандитлик. *..ўша йиллари босмачилик ҳаракати авж олиб, Фарғона водийси ўт-олов ичида қолди.* К. Яшин, Ҳамза. *..Тилмоч босмачиликда ҳалок бўлган, деб эшитганман.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *тар.* Туркистонда 1918—1925 йилларда кенг халқ оммаси вакилларининг босқинчи қизил армияга қарши олиб борган қуролли ҳаракатига шўро ҳукумати даврида буюк давлат шовинистлари томонидан берилган расмий ном.

БОСМОҚ 1 Устига оёқ қўймоқ. *Бемаҳал юрган гўнг босар.* Мақол. *Қурбақани боссанг, вақирлайди.* Мақол. *От босган ерни той*

босади. Мақол. ▬ *Кўрмайин босдим тиканни, Тортадирман жабрини.* «Оқ олма, қизил олма». *Муҳиддин асфальт юзидаги оқ муз доналарини босиб, телефон станцияси томон юриб кетди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Зулайҳо яланг оёқлари билан пояни чип-чип босиб, унинг тепасига келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Устидан юриб, ўтиб эзмоқ, шикастламоқ ёки ўлдирмоқ. *Бу қандай майнабозлик! Босиб-янчиб ўтабермайсанми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Машина олганига икки ой бўлган бўлса, шу икки ой ичида нақ бешта товуқ, еттита мушук босди.* С. Аҳмад, Тоғларда. *Мансур куз чечакларини босиб бораркан, тағин Гавҳарни ўйлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Қўл билан ушлаб турмоқ, эзғиламоқ, бўғмоқ. *Чап қўлим билан қаттиқ босиб турдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Полвон уни бир тепиб, ерга ағанатди-ю, бўғзидан босиб тураверди.* С. Сиёев, Аваз. *Энгашиброқ икки қўллаб Шералининг тўпиқлари атрофини босиб турди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Табиб дарров кўзини юмиб, бармоғи билан босди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Елкасидан босмоқ 1) тўхтатмоқ, тинчлантирмоқ. *Ҳамма ўрнидан турди. Асқар ота ҳам турмоқчи бўлган эди, оқсоқол етиб келиб, елкасидан босди.* А. Қаҳҳор, Асарлар; 2) оғирлик қилмоқ, зўр келмоқ. *Бу оғир юк унинг елкасидан босди. У уй остонасини ҳатлаб ичкари кира олмади.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Мола босмоқ** *айн.* **молаламоқ.** *Унинг ўрнига Мамажон далага борар, мола босар, хирмонда майдачилик қиларди.* С. Нуров, Нарвон. **Оёғини босмоқ** *кўчма* Халақит бермоқ, қарши чиқмоқ. -*Шарт шу: мактабда менинг оёғимни босадиган ҳеч ким бўлмаслиги керак. Авж олганини чеканка қилиб, кемтиб тураман, — деди ўзича Мирсалим.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

4 Куч билан итармоқ, сиқмоқ. *Тугмани (тугмачани) босмоқ. Қўнғироқни босмоқ.* ▬ *Сулаймонов трубкани қўйиб, тантанали равишда кнопкани босди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Кабир Отақулович икки тавақали кўк эшик чеккасидаги тугмачани босди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Аҳмад одати бўйича қўнғироқни уч марта кетма-кет босди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Жаҳл билан дуч келган тарафга қараб тепкини босди.* С. Аҳмад, Уфқ.

5 Куч билан сиқиб, из туширмоқ, қолдирмоқ. *Муҳр босмоқ. Тамға босмоқ. Читга гул босмоқ.* ▬ *Аввалига почта муҳр босишни унутгандир, дедик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Бармоқ босмоқ *қ.* **бармоқ 1**.

6 Тирамоқ, сиқиб итармоқ. *Зиёдулла томоғи қирилиб, қуруқ йўталди, кўкрагини столга босиб, ўйга толди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Узоқ қиш кунлари давомида оппоқ сийнасини ерга босиб ётган қор баҳор қуёшининг илиқ тафтига дош бера олмай сингиб кетди.* Газетадан.

7 Зарб билан уриб ясамоқ, зарб қилмоқ. *Танга, чақа босмоқ.*

8 *физ.* Ўз оғирлиги ёки эластик кучи билан таъсир қилмоқ, сиқмоқ. *Суюқликлар ҳар томонга баравар куч билан босади.*

9 Маълум бир нарсани бошқа бор нарса устига қўймоқ, тегизмоқ; тўсмоқ. *Назирқул унинг елкасини ишқади, латта ҳўллаб, пешонасига босди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қизнинг қўлларига аста қўлимни босдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Рустамжон Меҳрихоннинг юмшоқ қўлларини, бинафшаларни юзига босди.* «Саодат». *Кампир дока рўмолининг учини лабига босиб, ерга қаради.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Халча хола бўлса, бир чеккада гунг бўлиб, рўмолининг учини оғзига босиб турибди, бир акамнинг афтига, бир оёқларига қарайди.* М. Мансуров, Ёмби.

Лаб босмоқ Ўпмоқ, бўса олмоқ. *Шаҳзодани шарт бағрига тортиб, чанқаган лабларини «мана, мени ўп» деб турган ғунча лабларига қаттиқ босди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу кун суратингга сўзсиз босдим лаб, Шу сенми, ёлғизим, шу сенми, она..* А. Орипов. **Тишини тишига босмоқ** *қ.* **тиш 1.**

10 Чоп қилмоқ, нашр этмоқ. *Китоб босмоқ. Матнни машинкада босиб кўпайтирмоқ. Суратини босиб чиқармоқ.* ▬ -*Бу ерда ўтган можарони Қумрихонга айтиб беринг, ҳикоя қилиб ёзсин, албатта, босиб чиқарамиз, — деди.* А. Қаҳҳор, Бек. *Шундан кейингина газеталарда подшо тахтидан тушганлиги хабарини босиб чиқаришга «рухсат тегди».* К. Яшин, Ҳамза.

11 Кўп миқдорда устма-уст қўймоқ, тахламоқ, зичлаб йиғиб қўймоқ, зичлаб жойламоқ ёки ортмоқ. *Қанорга ун босмоқ. Аравага беда босмоқ.* ▬ *Бизнинг Қаландарбой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб қўяди.* М.

Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳайдар ота қараса, шу ялангликка янтоқ босиб қўйишибди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Уй эгаси ошга сабзи босиб, Отабек ёнига келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

12 Тўшамоқ, ётқизмоқ; тўсмоқ, беркитмоқ. *Йўлга шох босмоқ.* ▬ *Сувни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёғига чим босиб, кўтариб келиш лозим бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шартта фуфайкамни ечдиму, ўпирилган жойга босдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

13 Қўймоқ, суртмоқ, тортмоқ. *Бу ким бўлди? ..Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бир вақт қарасам, сурма босган кўзлари ғамгин бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

14 Илгари сурилмоқ, илгарилаб бормоқ, юрмоқ. *Йўлчи олдинги қатордаги эркак ва аёллар билан бирга ҳайқириб, яна маҳкама сари босиб борди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Босиб ўтмоқ 1) маълум масофа йўл юрмоқ. *Мастон неча километр йўл босиб ўтганини ва яна неча километр босиш кераклигини билар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар; 2) кесиб ўтмоқ, устидан ёки ёнидан ўтиб кетмоқ. *Биз Тошкентни босиб ўтдик.* ▬ *Султонали мирзо Солиҳ махдум кўчасини босиб, тўғрига ўтди, ўн қадамча юриб тўхтади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..касалхонани босиб ўтолмадим: кириб, таниш ҳамширадан сўрасам, Мастура бир соатдан кейин операцияга ётаркан.* А. Қаҳҳор, Асарлар; 3) *кўчма* енгиб ўтмоқ, енгмоқ, орқада қолдирмоқ. *Нафис соддаликка эришиш учун ёзувчилар машаққатли ва узоқ йўл босиб ўтадилар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *У йўлида учраган ҳар қанақа ғовни босиб-янчиб ўтишга, доимо ғолиб чиқишга ўрганган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 4) бошдан кечирмоқ. *Домланинг босиб ўтган қайноқ умр йўли, самарали иш фаолияти университет ҳаёти билан чамбарчас боғланган.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. **Йўл босмоқ** *қ.* **йўл. Олға** (*ёки* **олдин, илгари) босмоқ** 1) йўл юриб, илгари сурилмоқ, илгариламоқ. *Халқ тўлқини.. олға босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аваз беихтиёр бир қадам олға босди.* С. Сиёев, Аваз. *Баширжон ундан ҳам сўраб кўриш учун бир-икки қадам илгари босди.* Н. Аминов, Суварак; 2) *кўчма* равнақ топмоқ, ривожланмоқ; олға силжимоқ. *Соат сайин ишларинг олдин боссин.* Ойбек, О. в. шабадалар.

15 Қопламоқ, ўраб олмоқ, қамрамоқ; эгалламоқ; элитмоқ. *Тер босмоқ. Туман босмоқ. Қоронғилик босмоқ. Зулмат босмоқ. Ажин босмоқ. Уйқу босмоқ.* ▬ *Маҳмуджонни муздек тер босди.* «Муштум». *Ранглари оқарди, кўз олдини қуюқ туман босди.* Ж. Абуллахонов, Орият. *Атрофни ғира-шира қоронғилик босган, қамишлар ваҳимали шитирлар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Зулмат босган атрофлар гўё қирон етган ўлкадай бесас.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *У Насимларнинг эшигига етганда, бир зумда юрагини ҳаяжон босди.* Ф. Мусажонов, Ҳукм. *Унинг [Онахоннинг] вужудини қўрқув босди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қўллари титради, кўзларини ҳасрат босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулнорнинг юраги кучли тўлқинланди, бутун гавдасини тотли бир титроқ босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шамол турди, қум кўча бошлади, ер-кўкни қум босди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қоп-қора ис босган шипидан қамишлар осилиб турарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отлиқлар қор босган қирғоқ бўйлаб ярим соатча кезишди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тўхтабуванинг ажин босган юзида ғурур ва бахт порлади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳаммаёқни оғир сукунат босди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ёнбош қўйган ҳамон, кўзи юмилиб, уйқу босарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *..қўлимга қоғоз-қалам олдим дегунча, эсноқ босади.* «Муштум».

16 Тинчлантирмоқ, тинчитмоқ, тиймоқ; ҳовуридан туширмоқ, эпга келтирмоқ. *Жанжални босмоқ. Тўполонни босмоқ.* ▬ *Самандаров.. қаламининг орқаси билан столни қоқиб, ғовурни босди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Орифжон хотинини босиб қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Халқни босиш келмайдими қўлингдан?* Ҳ. Олимжон.

Ўзини босмоқ Ўзини тутмоқ, тиймоқ. *Бир амаллаб ўзимни босдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳамдам ака бир қизишди-ю, ўзини босиб олди.* Р. Файзиев, Чўлга баҳор келди. **Ўпкасини босмоқ** 1) *айн.* **ўзини босмоқ.** *-Ўпкангни бос! — деди Сапоев унга ўшқириб.* «Муштум»; 2) ўзини йиғидан тутмоқ. *-Йиғлама, қизим, йиғлама, — деди Онахон, ўпкасини зўрға босиб.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Во болам, деб ўпкасини босолмай, Сочин ёйиб, бетин суйиб йиғлайди.* «Ойсулув».

17 Камайтирмоқ, пасайтирмоқ ёки тўхтатмоқ; қондирмоқ. *-Оғриқни босадиган япроқ топиб келаман, — деди Мажид. — Шу билан овунаман, Ҳоврימни босаман, ака.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу уқубатли кунларнинг аламини девор ошиб келган йигитнинг эркалашларигина боса оларди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шафтолининг сершарбат этлари ёзнинг иссиқ кунларида.. «чанқоқ босди» бўлади.* К. Маҳмудов, Мевалар. *Ҳайдарбойнинг кўримсиз чойнакларидаги қуюқ ва суюқ чойлари.. ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам чанқовини босиб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

18 Куч (зўрлик) билан бостириб келмоқ, эгалламоқ, ишғол қилмоқ. *Йигитнинг сараси ёв босганда билинар.* Мақол. ▬ *Кунлардан бир кун мана шу бойнинг уйини куппа-кундуз куни намозгар пайтида ўғри босди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дод! Вой дод! Қароқчилар босди!!!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Душман босган она юрт учун Ясалгандек қиличу найза.* Х. Даврон, Боланикнинг овози. *Бирдан босди жоҳил оломон.* «Гулдаста». *Душманлар кечувдан ўтиб, шаҳарни босиб олишибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

19 Тўсатдан келмоқ, кўпчилик бўлиб келиб қолмоқ. *Уйни меҳмон босди.* ▬ *Ие, Холмат акани меҳмон босган, шекилли.* «Ўзбекистон қўриқлари».

20 Қуламоқ, ағанамоқ. *Бу оғил босиб қолмаса, деб қўрқаман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Икки бўлмали кичкина пастқам уй, том босай деб турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Йўлкаларни босиб қолган харобалар устида болалар ирғишиб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

21 Ушлаб, чегириб қолмоқ. *Ишлаган ҳақини қарзига босиб қолибди.*

22 Устун келмоқ, устун келиб ошиб тушмоқ. *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳалиги гажакдор жувон икки қўлини ҳам, овозини ҳам баланд кўтариб, ғала-ғовур, шовқинни босиб тушди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

23 *қ.* **бостирмоқ.** *Дастурхоннинг четини босмоқ.* ▬ *..ким ёнига борса, Зебини мақтаб гапирар, унинг дутор чалиши, чок тикиши, тўппи босишларини ҳикоя қилар эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

24 *айн.* **тахтакачламоқ 1.**

25 Махсус усулда (тўқимасдан) тайёрламоқ (кигиз, жун мато ҳақида). *Кигиз босмоқ.*

26 Равишдошнинг *-иб* шаклида келиб, бирон-бир иш- ҳаракатнинг сурункасига, тўхтамай, кетма-кет, пайдар-пай бўлишини, амалга ошишини билдиради. *Кечгача босиб ишладик, жуда толиқдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Мен бари бир ниятимдан қайтмадим. Босиб совчи қўявердим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *..аччиқ чойни босиб ичиб қониққач, извошни қўшди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир ҳафта босиб ёққан ёмғир қора тупроқни кўпчитиб юборган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Бағрига (*ёки* **кўксига**) **босмоқ** *айн.* **бағрига олмоқ 1.** *қ.* **бағир.** *Дадамат ака Асадни маҳкам қучоқлаб, бағрига босди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Муқаддам унинг қўлидан ўғилчасини олди, меҳр билан бағрига босди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бу, Эргашга уни худди кўксига босгандай бўлиб кўринди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Башорат китобчани икки қўли билан олди. Унга узоқ тикилди-да, кўксига босди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ем босди** Отга ем берилгандан кейин уни совитиш, бирмунча вақт салт миниб юриш. *-Отимнинг бир одати бор эди: икки хуфтондан кейин ем ерди.. сўнгра майдонда ем босди одати бор эди, — деди Муродхон Гўрўғлига.* «Зулфизар билан Авазхон». *Авазхон, сен йигитларга хабар бергин, отларига қарасин, ем босди қилиб, қантариб қўйсин.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. **Ён босмоқ** *қ.* **ён. Оёққа босмоқ** *қ.* **оёқ. Салобати босди** *қ.* **салобат. Тош** (*ёки* **палла**) **босмоқ** 1) ҳажми кичкина бўлгани ҳолда оғир, салмоқдор бўлмоқ. *Пўкак тош босмайди.* ▬ *-Ҳа, сиз айтганингиздек, — деди Олияхон, — палласи ҳам тош босмайди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова; 2) оғир келмоқ, салмоғи жиҳатидан устун келмоқ. *Қўй билан қорамол бошқа гап, тош босади.* «Муштум». *Тарозининг маҳсулот қўйилган палласи босиб кетди, план ортиғи билан бажарилди.* Газетадан. **Тухум босмоқ** *қ.* **тухум. Фалокат босди** *қ.* **фалокат. Ўрнини босмоқ** *қ.* **ўрин. Қадам** (*ёки* **оёқ**) **босмоқ** 1) қадам қўймоқ, қадам ташламоқ, қадам ташлаб юрмоқ. *Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғуной тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Йўлчи атрофига кўз югуртириб,*

қизга томон икки-уч қадам босди. Ойбек, Танланган асарлар; 2) бормоқ, келмоқ; ташриф буюрмоқ. *У бизникига қадам босмади.* ▬ *Бугун саккиз кун бўлди, қадам босмайсиз-а.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Йўқ, амаки, уйга энди бир умр қадам босмайман.* С. Аҳмад, Уфқ; 3) *кўчма* бирор йўлда, йўсинда хатти-ҳаракат қилмоқ, иш тутмоқ. *Тиканнинг заҳрини тортган оёғини билиб босади.* Мақол. ▬ *У баъзан.. Ўрмонжондан бирон қадам олдинда юришга интилар, шунинг орқасида баъзан ножўя қадам ҳам босиб қўяр эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўғри энди ўйлаб қадам босади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қамчи босмоқ.** *қ.* **қамчи**.

БОСТИ-БОСТИ: бости-бости бўлмоқ Барчага ошкор бўлмасдан тинчимоқ ёки хаспўшланмоқ (бирор жанжалли иш, можаро ва ш. к. ҳақида). *Аммо ишлар бояги-бояги, сирлар бости-бости бўлиб кетди.* «Муштум». *Актга қўл қўйилиб, бости-бости бўлгач, жанжалкаш илжаяди.* «Муштум». **Бости-бости қилмоқ** Улғайтирмасдан, барчага ошкор қилмасдан тинчитмоқ ёки хаспўшламоқ, силлиққина тинчитиб юбормоқ. *Тўполонни бости-бости қилган бежирим новча йигитнинг кимлигини сўраб қолди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *-Бўта ишдан бекор бўлиб юрган пайтларда шу ишни бости-бости қилиб юборган эдим, — деди Низомиддинов.* С. Аҳмад, Сайланма.

БОСТИРИЛМОҚ Бостирмоқ фл. мажҳ. н. *Бир йилга етарли силос бостирилди.* ▬ *Сув устига икки ёғоч ташлаб, шох солингач, тупроқ бостирилган лопиллама ингичка кўприкдан ўтиб, улар Хадра томон бурилдилар.* Ойбек, Улуғ йўл. *Исён бостирилди. Сарбозлар ўн чоғли кишини банди қилиб, Хивага ҳайдаб кетдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Канал атрофига бетон бостирилди.* «Гулдаста».

БОСТИРИҚ I Овқат, дори ва ш. к. устидан истеъмол қилинадиган бошқа овқат ёки ичимлик. *-Бостириққа мана буни ичиб юбор, бўтам, — деди бош йилқичи, Соколовга қимиз тутиб.* К. Яшин, Ҳамза. *Кейин бир ҳўплам чойни бостириқ қилиб ичди-ю, «Болта» деб кимнидир чақирди.* К. Яшин, Ҳамза.

БОСТИРИҚ II **1** Яйдоқ от устига ёпиб қўйиладиган қалин мато. *Бойнинг ўттиз беш болорли кенг сайисхонаси эгарлари олиниб, бостириқ билан ёпиб, хўракка қўйилган отлар билан тўла эди.* С. Айний, Қуллар. *Бедов отнинг бостириғи гуллидир, От устида ўтириши баллидир.* «Қўшиқлар».

2 Кийим-кечак чоки устидан яна бир бор бостириб тикиш, бостирма чок. *Бостириқ қилиб тикмоқ.*

БОСТИРМА I Тўрт томони ёки икки ёни ва олд томони очиқ, усти енгилгина ёпилган қурилма, (усти ёпиқ узун) йўлак. *Бостирма солмоқ. Ёмондан ҳайвон яхши, Бостирмадан — айвон.* Мақол. ▬ *Йўлакнинг ўнг томонидаги бостирмада қовурғаси саналиб қолган тарғил сигир билан шалпанг қулоқ бузоқ.* «Ёшлик». *Ҳар замонда ҳовлининг нариги бурчагидаги бостирмадан қўй-молларнинг маъраган овозлари қулоққа чалинади.* «Ёшлик». *Дадам эгардан инқиллаб тушиб, отни бостирма устунига боғлади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Шойиста бостирмадан ўтиб, кенг-мўл супага чиқди.* Н. Қиличев, Ёронгул.

БОСТИРМА II Таомни устидан маҳкам бекитиб, бирор оғир нарса бостириб қўйиб пишириш усули ва шундай усулда пиширилган таом. *Бостирма кабоб.* ▬ *Бостирма кабоб учун қўй ёки бузоқ гўштининг сон ёки биқин қисмларидан оласиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Фарғона, Марғилон тарафларда гўжа оши, бостирма кабоб ва шу каби таомлар машҳурдир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

БОСТИРМАНАМО Бостирмага ўхшатиб қурилган, бостирмага ўхшаш. *Бошқарувчи ариқ ёқасидаги бостирманамо қўлбола шийпонда ҳисоб-китоб қилиб ўтирган экан..* «Ёшлик».

БОСТИРМОҚ 1 Босмоқ 1-5, **7**, **9-12**, **16-17**, **23-25** фл. орт. н. *Ҳужжатга муҳр бостирмоқ. Қўлёзмани машинкада бостирмоқ. Ариқларнинг четига чим бостирмоқ.* ▬ *Кўклам келиб, Олтиной ерни бир оз юмшатиб, пол олдирибди, донни сепиб, сув бостирибди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ошнинг сабзи-пиёзини бостириб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Махсумов қўй сўйиб, гўштини товоқларга бостириб, шўрвасини каттакон термосга солиб келди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Чопонимга ўраниб, қалпоғимни бостириб олдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар. **Бостириб келмоқ** 1) куч, зўрлик билан босиб келмоқ. *Зарифбой отини ниқтаб, Авазнинг устига бостириб келди.* С. Сиёев, Аваз. *У бойвачанинг устига бостириб келди-да, болтани кўтарди.* К. Яшин, Ҳамза; 2) бехосдан келиб қолмоқ.

Нега уйга бостириб келасиз?! Кетинг.. «Ёшлик»; **Бостириб кирмоқ** 1) куч, зўрлик билан босиб кирмоқ, кириб келмоқ. *Эй, қандақа хотин бу, бировнинг уйига бостириб киради?* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Оломон ёнига қипчоқ сипоҳилари келиб қўшилгандан кейин, Ўрдага бостириб кирдиларда, Азизбекни ушлаб ҳам олдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..ичкарига мўр-малахдек бир неча саллали йигит бостириб кирди.* «Ёшлик». 2) *кўчма* чулғамоқ, эгалламоқ. *Айқаш-уйқаш қўрқинчли ўйлар миясига бостириб кираверди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Бостириб бормоқ** Зўрлик билан, рухсатсиз кириб бормоқ. *Биз ҳеч кимнинг ерига бостириб бормадик.* «Ёшлик». *-Мен ҳали ғалаба қозониб, душман устига бостириб боришни истайман, — деди Низомиддин.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Зўрлик билан бўйсундирмоқ, тор-мор қилмоқ; тинчлик ўрнатмоқ. *Хон қуролсиз халқнинг қонини тўкиб, зўрлик билан исённи бостирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Устидан оғир нарса билан босиб қўймоқ. *Дўппи елимлангандан кейин, тахти яхши чиқсин деб, уни тахтакачга бостириб қўяди, тўғрими?* Шукрулло, Сайланма. *Сочларини наридан-бери ўраб, қалпоқ билан бостирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Қайириб тикмоқ. *Дастурхоннинг четини бостирмоқ.*

БОСТОН [*фр.* boston — Бостон шаҳри номидан] Майин қўй жунидан саржали ўрилиш усулида тўқилган, костюмбоп ва пальтобоп газлама. *Бостон костюм.* ▬ *Одми кўйлак, тринка нимча қаёқда-ю, янги тўқ бинафшаранг бостон костюм қаёқда.* С. Анорбоев, Меҳр.

БОСҚИ 1 *с.т.* Болаларда бўладиган бўғма касаллиги. *Қолганларидан икки-учтаси босқи деган бир бедаво касалликни ўзларига юқтириб олишибди.* «Муштум».

2 *шв.* Босқин.

3 *мус.* Мусиқа унқатори, гаммаси, пардасининг ҳар бир товуши.

БОСҚИН Қўққисдан қилинадиган ҳужум, босқинчилик; агрессия, тажовуз. *Қишлоқда ҳар кеча босқин, отишув, ёнғин.* С. Аҳмад, Ҳукм. *У Ватанни сақлар босқинлардан, Шижоати ёв учун даҳшат.* Миртемир. *Қўшни қишлоқларга босқинлар уюштирди, ўзга юртларни вайрон қилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

БОСҚИНЧИ 1 Зўрлик билан бостириб келиб таловчи қуролли ўғри, бандит. *Бу ўша — Юсуфбек, хотинини ўғирлаб кетган босқинчи.* Х. Аҳророва, Орифнинг давлати. *Қадимда Ургут қишлоқларига босқинчилар тез-тез ҳужум қилар экан.* «Саодат». *«Босқинчи» сўзининг маъноси шулки, Нонга тўйганда ҳам, тўймас маконга.* А. Орипов.

2 Ўзга юртни, элни босиб олувчи; тажовузкор, агрессор. *Босқинчилар юртимиздан чиқиб кетмагунча, биз ундан ўч оламиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Босқинчилар шаҳарга кира олмабди, лекин қамални узоқ давом эттирибди.* «Фан ва турмуш». *Эркинлик жазмида халқнинг бариси Босқинчи лашкарга қиларди ҳамла.* М. Шайхзода. *Юртни босқинчилардан ҳимоя қилиш — ҳамманинг иши.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БОСҚИНЧИЛИК 1 *ҳуқ.* Бировнинг молмулкини талаш мақсадида ошкора амалга оширилган ўта оғир ижтимоий жиноят. *Босқинчиликми, подачиликми, кетмончиликми — қандай иш бўлса ҳам, майли.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Ўзга юртни босиб олиш, истилочилик, тажовузкорлик, агрессорлик. *Минг-минглаб бебаҳо обидаларимиз турли сабаблар билан, айниқса, босқинчилик урушлари натижасида йўқ қилинган ёки ўзга юртларга олиб кетилган.* «Фан ва турмуш».

3 Бировнинг номусига тегиш, тажовуз қилиш. *[Тантибойвачча] Гулнорга босқинчилик қилишга Жондорбойни шерик қилмоқчи бўлди-да, пиёладаги аччиқ чойни ҳўплаб, гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БОСҚИЧ 1 Зинанинг ёки нарвоннинг ҳар бир поғонаси. *Мадраса ичига бормай, ўша ерда.. бир тош босқичга отам қадам босди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *кўчма* Ўзаро боғланган қуйи ва юқори идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. нинг ҳар бир поғонаси, ҳалқаси.

Биринчи босқич суд Қуйи даражадаги суд. **Биринчи босқич мактаб** Бошланғич мактаб.

3 *кўчма* Даража, разряд.

4 *кўчма* Тарихий, маданий-маънавий, иқтисодий тараққиёт, ривожланишнинг белгили бир поғонаси; давр, палла. *Биронбир босқич ўртасида турган халқ орасида аввалги босқич кишилари кўриниб қолса, бунга табиий бир ҳол деб қараш керак, деган фикрни айтдим.* «Гулдаста»; *Одамлар фан-*

техникани инсон кўзи кўрмаган, қулоғи эшитмаган босқичларга олиб чиқдилар. Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳақиқатан ҳам Навоий форсий девони билан Жомийдан сўнг форс-тожик адабиётини янги бир босқичга кўтарди.* «ЎТА». *Маънавий камолот босқичлари ичида хушмуомалалик, ширинсуханлик асосий ўринни эгаллайди.* «Саодат».

5 Бирор яхлит иш-ҳаракатни амалга оширишнинг айрим-айрим даврлари ҳақида. *Бош планга кўра, Қарши даштини ўзлаштириш уч босқичда амалга оширилади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Республикамиз меҳнаткашлари пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи босқичга кирдилар.* Газетадан. *Реконструкциянинг биринчи босқичи ниҳоясига етганлиги натижасида самолётларнинг учиш хавфсизлиги анча ошди.* Газетадан.

6 *биол. тиб.* Биологик ривожланиш поғонаси, даври. *Абдураимовдан турли босқичларда шолига қандай ишлов беришни ўрганишди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Улар [олимлар] медиклар билан бирга одамдаги турли касалликларни эрта босқичларда топишнинг диагностик модели ва программасини ишлаб чиқдилар.* Газетадан.

БОСҚИЧЛИ 1 Маълум босқичи, поғонаси бўлган; поғонали. *Кўп босқичли зина.*

2 *кўчма* Ўзаро боғланган бир неча босқичдан, поғонадан иборат бўлган. *Саноат ва қурилиш вазирликларининг мавжуд структураси кўп босқичли ва мураккаблашган тузилмадир.* Газетадан.

3 *кўчма* Даражама-даража, босқичма-босқич ривожланадиган, даражали. *Кўп босқичли тараққиёт йўли.*

БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ Маълум босқичлар, даврлар асосида, бирин-кетин, поғонали. *Иқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожи. Янги таълим тизими ва дастури босқичма-босқич амалга оширилади.* ▬ *Участкада ишни босқичма-босқич ташкил этамиз.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БОСҚОН I Темирчиларнинг катта, оғир болғаси. *Бир йил ўтгач, олов ёнида туриб, босқон билан қизиган темирни ура бошлади.* М. Осим, Ўтрор. *-Юрагим темирчининг босқонидек гурсиллаб урарди,— деди Меҳри опа.* А. Эшонов, Дутор. *Ҳеч қандай тиғ, ҳеч қандай босқон, ҳеч қандай қурол инсон саховатининг қудратига тенг кела олмайди.* Газетадан.

БОСҚОН II Чилангарлар кўрасидаги кўрага ҳаво ҳайдовчи ва кўмирнинг ёнишини кучайтиришга хизмат қилувчи қурилма. *Босқон босмоқ. Босқон тортмоқ.* ▬ *Мискарнинг ёнида ўтириб, терлаганига ҳам қарамай босқон тортаётган жамалак сочли олти яшар қиз — Ал-Маҳдийнинг етим набираси.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Устахонада ўзи билан катта ўғли Болтабой ишлар, босқон босарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Саиднинг кўз ўнгидан ёшлигида қишлоғига келган мискарлар, уларнинг босқони ва шу босқоннинг дами билан ялтиллаган бир ҳовуч олов ўтди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

БОСҚОНЧИ Темирчининг босқон билан ишловчи ёрдамчиси. *Болғачининг минг ургани — босқончининг бир ургани.* Мақол. ▬ *Буларга [халфа-шогирдларга] «босқончи», «халфа», «дамгар».. деб ном берилар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

БОСҚОҚ 1 *тар.* Мўғул хонлари томонидан ўзларига қарам ўлкаларга махсус ёрлиқ билан юбориладиган ва назорат ишларини олиб борувчи мансабдор шахс, ноиб. *Кўп ўтмай, қўзғолончилар билан сон-саноқсиз мўғул босқоқлари ўртасида қонли жанг рўй берди.* «Ёшлик». *Мўғул босқоқлари, амирлар халқ тўлқинини тинчлантириш чоралари хусусида кенгаша бошладилар.* «Ёшлик».

2 *шв.* Уйидан эшикка чиқмайдиган одам; одамови.

Босқоқ тери *шв.* Қоракўл терисидан бошқа ҳамма тери. *Мамнун Жиззах бойларин шери, Ҳар йил сотар юз минглаб тери, Босқоғи йўқ, бари — қоракўл..* М. Али, Боқий дунё.

БОТ 1 *рвш.* Орадан кўп вақт ўтмай ёки ўтказмай; тез. *Экинлар бот авж олди. Бировнинг бахтига суянган бот қоқилар.* «Қанотли сўзлар». ▬ *-Бир ишга тез киришиб, бот қайтарсан. Ўзингни босиб ол, — деди Нафиса Ҳафизага.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳаёт ташвиши-ла бўлиб овора, Аждодлар руҳини унутмангиз бот.* Б. Бойқобилов.

2 Яна, қайта. *Эломонов Собиржонга батафсил хат ёзиб, аҳволини тушунтирди, тезроқ кел, деб бот ўтинди.* М.М.Дўст, Галатепа қиссалари. *Сен чиндан ҳам гўзалсан, Ҳузурингга келдим бот.* А. Орипов. *Аввал бек ғашини келтирган пайтларини бот ва бот эслайди..* М.М.Дўст, Лолазор.

БОТА́НИК Ботаника фани олими, мутахассиси. *..америкалик ботаник А. Декондаль, рус табиатшуноси Н.И.Вавилов.. ва бошқалар ёзган асарларида ёввойи шолининг учта ватани ҳақида фикр юритадилар.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

БОТАНИ́К Ботаникага оид. *Ботаник география.*

БОТАНИКА [*юн.* botanikos – ўсимликка тааллуқли < botane – ўт, гиёҳ, ўсимлик] Ўсимликлар ҳақидаги фан, наботот. *Ботаника фани. Ботаника дарслиги. Ботаника олими.* ▬ *Музейда геология, география ва ботаника бўлимлари мавжуд.* Газетадан.

БОТАРТИБ *айн.* **тартибли.** *Вазифа шундан иборатки, пойтахтимизнинг ҳар муюши, ҳар кўчаси доим озода, доим ботартиб.. бўлиши зарур.* Газетадан.

БОТ-БОТ 1 *рвш.* Дамба-дам, тез-тез; бирин-кетин. *Бот-бот келиб турмоқ.* ▬ *Том бўғотига уя қурган чумчуқлар бот-бот полопонларини учирма қилишарди.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар. *Мен мактабда ўқиб юрган чоғларимда бот-бот колхоз даласига чиқиб, ота-онамга қарашар эдим.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *Асли қишлоқ боласи эмасми, у бот-бот далани соғинарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Қайта-қайта, такрор-такрор. *Турсунқул газетадаги исми шарифга бот-бот тикилди.* «Ёшлик». *Тепакал, шилпиқ кўз домласи бўлар эди. Ўша: -Ҳар қандай муносабат замирида шахсий манфаат яширин бўлади, – деб бот-бот такрорлар эди.* «Ёшлик».

БОТИЛ I **[***а.* باطل – ёлғон, сохта; бефойда**]** *эск. кт.* Сохта, ёлғон, асоссиз; фойдасиз. *-Айтиб кел у фикри ботилни?! – деди у шиддат билан Асад қорига.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ботил.. сўзларга қулоқ солма.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Қил яхшилигу демакни дохил қилма, Миннат била яхшиликни ботил қилма.* А. Навоий, Ҳикматли сўзлар.

БОТИЛ II *шв.* Яроқсиз ҳолга келиб, ишлатилмай қолган (ариқ, зовур ҳақида). *Бу дамба қачонлардир ботил бўлиб қолган Бўзёп ариқ дамбаси эди.* «Шарқ юлдузи».

БОТИН [*а.* باطن – ич, ички; яширин, махфий] *эск. кт.* Ич; чуқур; қалб, кўнгил. *Аҳмад Қосим унинг [Бобурнинг] титраётган елкаларини кўрди-ю, ботиндан бўзлаб йиғлаётганини англади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Сизни олиб чиқар бу сўзлар Юраклардинг ботин қаърйидан.* Х. Даврон, Қақнус.

БОТИНАН Ич-ичидан, қалбан. *Бонунинг боягина айтган сўзларига зоҳиран эътибор бермаган бўлса-да, ботинан қалбини тирнаган эди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Элчиев жавоб бермади, ботинан хўрсинди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Содиқжон бойвачча Шавкат афандининг гапидан ботинан ғижинса ҳам, буни сиртига чиқармади.* К. Яшин, Ҳамза. *Фарҳод турар: рангида ранг йўқ, Ботинан бир изтироб ичра.* М. Али, Боқий дунё.

БОТИНИЙ 1 Яширин, ички, сирли. *Унинг кўнглида ботиний бир дард бор.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Бу фавқулодда ҳадя туфайли Бобурнинг дилида қўзғалган ўша ботиний ҳаяжон ҳануз сўнмаган эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Хиёл фурсатдан сўнг Севаргул ботиний мамнунлик билан дорихонадан чиқди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Юмуқ; кўр. *Сен аслида шаккок, ботиний кўзларинг очилмаган, яхшиликни билмайдиган, бадбахт одам экансан.* К. Яшин, Ҳамза.

БОТИНКА [*р.* ботинка < *фр.* botte – этик] Ип тақиб ёки тугмалаб кийиладиган қисқа қўнжли пойафзал. *Оёғида ипсиз, орқаси майишган ботинка.* С. Сиёев. *Баҳодир отаси олиб келган шим, гимнастёрка, ботинкани кийиб, йигитчага ўхшаб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

БОТИНМОҚ Бирор ишга юрак ютиб киришмоқ, журъат қилмоқ, юраги дов бермоқ. *Ўктам тўй-ҳашам тўғрисида сўз очиб, қизнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлди-ю, яна ботинмади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дераза тагида одамлар тўпланган, улар мўралашар, лекин ичкарига киришга ҳеч ким ботинмасди.* С. Зуннунова, Олов. *Подшонинг аскарлари ботиниб келмас, Тирик қоламиз, деб кўнглига олмас.* «Маликаи айёр».

БОТИНҚИ *с. т.* Ичига ботган, ботиқ. *Ботинқи кўзгу. Ботинқи линза.*

БОТИР [*мўғ.* баатар – қўрқмас, жасур, баҳодир] **1** Хавф-хатардан, қийинчиликдан қўрқмайдиган, қўрқмас, довюрак, жасур. *Кўз – қўрқоқ, қўл – ботир.* Мақол. *Мерган овда билинар, ботир ёвда билинар.* Мақол. ▬ *Муса умрида бойга бунчалик тик, ботир боқмаган.* Н. Фозилов, Дийдор. *Қўрқоқ бўлмай ботир бўлинг, бекларим, Ботир одам ҳар офатдан қолади.* «Нурали».

Оғзи (*ёки* **тили**) **ботир** Ҳеч кимни ва ҳеч нарсани андиша қилмай ва қўрқмай гапираверадиган. *Оғзи ботир одам.* ▬ *Оғзи ботир одамлар йўқ дейсизми? Эл оғзига элак тутиб бўлмайди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Унинг [Тожининг] жуда оғзи ботир: гап келганда, ҳеч кимни аямасди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ботир (эркаклар исми).

БОТИРИЛМОҚ Ботирмоқ фл. мажҳ. н. *Муллажон амаки қайноқ сувга ботирилган сочиқни юзига бир зум босиб турди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Содиқ кесма ёнига келиб энгашди. Энгашиши ҳамон қўл ҳиқилдоққа тўғри келган эди ва ханжар қорнига ботирилган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОТИРЛАНМОҚ Ботирлик қилмоқ, ботирлик кўрсатмоқ, журъат қилмоқ. *Ҳар бир мўйи ёвга қадалган тикан, Арслон каби ботирланар бус-бутун.* Ғ. Ғулом.

БОТИРЛАРЧА *рвш.* Ботир, жасур кишиларга ўхшаб, ўшаларга хос йўсинда. *Ботирларча иш тутмоқ.* ▬ *Рустамбекнинг ҳавасида ботирларча қадам олганимни ғира-шира сездим.* Ҳамза, Танланган асарлар.

БОТИРЛАШМОҚ Тобора жасур, довюрак бўлиб бормоқ, ботирлиги ошмоқ.

БОТИРЛИК 1 Жасурлик, довюракликка хос ҳолат, хусусият. *Сўз ботирлиги — тилда, Эл ботирлиги — белда.* Мақол. ▬ *Тўрақулнинг ботирлиги Раҳматуллага ҳам куч бағишлади.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Муҳаббат ҳозир Гавҳарга ботирлик талаб қиладиган бир томони билан кўринар, у бошқа вақтларда қилолмайдиган ишларни қилишга интиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ботирларга, довюрак кишиларга хос иш, мардонавор хатти-ҳаракат; жасорат. *Ботирлик қилмоқ. Ботирлик кўрсатмоқ.* ▬ *Аъзам Юсупович тунги жангларда жуда моҳирлик, ботирлик кўрсатарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

БОТИРМОҚ Ботмоқ 1-3, **5** фл. орт. н. *Гулнор челакни лойқароқ сувга ботирди ва ариқ бўйига олиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ювош бир бурда нонни олдин чойга, кейин шакарга ботирди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Рўзимат кетмонни зўғатасигача ботириб урди-ю, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Пайғомов пиёладаги коньякни қолдирмай симирди, кўкпиёзни қатиққа ботириб, чайнади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Чўли бобо катта қозиқ учларини ерга ботириб, қўлини фотиҳага очди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Чиройига (***ёки* **ҳуснига) нон ботириб ермидим** Чиройидан нима фойда; фақат чиройига учаманми? *Чиройга нон ботириб еб бўлмас.* Мақол. ▬ *Ҳуснига нон ботириб ермидим, демоқчисанда?* О. Ёқубов, Учрашув. **Қонга ботирмоқ** Қонга беламоқ; қирғин қилмоқ. *Гитлерчи каллакесарлар панжаларини оқ соқол оталарнинг, оқ сочли оналарнинг, бахтли болаларнинг.. қонларига ботириб, илгариламоқда.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Қўлни қонга ботирмоқ** Қотиллик қилмоқ, ўлдирмоқ. [*Ёрмат*:] *..Нима иш қилдим? Гуноҳми? Савобми? Соқолим оқарганда, қўлимни қонга ботирдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

БОТИҚ 1 *сфт.* Ичига ботган, ботинқи. *Ботиқ оптик шиша. Ботиқ кўзгу.* ▬ *Мавлоно Биноийнинг ботиқ кўзларида киноя, нашъа ёниб кетди.* Ойбек, Навоий. *Йигитнинг ияги олдинга туртиб чиққан, кўзи чуқур, пешонаси ботиқ эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Унинг кўркам, нурли юзида, катта-катта ботиқ кўзларида куйинганликка монанд ифода қалқиди.* «Ёшлик». *Темирчи совутнинг кўкрак қисмини ичдан ботиқ, сиртдан қабариқ қилиб ясайди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

2 *от. геог.* Қуруқликда ер юзасининг, шунингдек, океан ва денгизлар тубининг атрофга нисбатан анча пастга ботган жойлари. *Кучли шамолда ер сатҳи ўзгаради, ботиқлар ва турли хил рельеф шакллари пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш».

БОТМА-БОТ *айн.* **бот-бот.** *Хаёли қочади ботма-бот жувонмарг Тўхтамишнинг ҳолига.* Т. Тўла, Асарлар. *Қудратнинг ярасини тезроқ тузатмоқчи бўлиб, медпунктга ботма-бот кириб-чиқиб тургани, Назокат билан самимий суҳбатга берилиши.. Холдорнинг назаридан четда қолмаган.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

БОТМОН [*ф.* باتمان < *а.* من — 898,5 г га тенг оғирлик ўлчови] *тар.* **1** Ўрта Осиёнинг, шунингдек, Ўзбекистоннинг турли ерларида турли мезонга, салмоққа эга бўлган (икки пуддан ўн бир пудгача) оғирлик ўлчов бирлиги. *Чумчуқ семиргани билан ботмон бўлмас.* Мақол. *Бедананинг ҳам ўзига яраша ботмони бор.* Мақол. ▬ *Етмиш ботмон тошни кўтариб отди.* «Интизор». *Худо сенга бир ботмон куч берган-у, бир мисқол ақлни аяган!* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов бирлиги. *Мавлон аканинг мерос маҳрига тушган икки ботмон ери бор.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шу ўттиз чақиримли ариқ қазилиб битганда, Наманган ва Андижон туманларидан икки минг ботмонгача ер суғорилар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Раисни касал деб ўйлаб, ҳамманг қутуриб кетдинг. Қўш ҳўкиз овора-ю, бир ботмон ер ҳайдамайсан.* М.М.Дўст, Лолазор.

БОТМОН-БОТМОН Қанча-қанча ботмон, неча-неча ботмон. *Асқархўжага қарашли ботмон-ботмон ерлардан кўп қисмини қароллар аллақачон бўлишиб олишган эди.* Ғайратий, Ёшлигимсиз. *Ботмон-ботмон сувли ерлар кўз илғамас, Бизнинг кучдан яшнадилар, бас, энди бас!* Ғ. Ғулом.

БОТМОН-ДАҲСАР [ботмон + *ф.* ده سیر – тахм. 750 г келадиган оғирлик ўлчови] Жуда катта; жуда оғир, жуда кўп. *Боғни боқсанг, боғ бўлар, ботмон-даҳсар ёғ бўлар.* Мақол. ▬ *У [Яҳё] оғир-оғир қадам босар, гўё оёғига ботмон-даҳсар тош осилган эди.* «Ёшлик».

БОТМОНЛАМОҚ Ботмон билан ўлчамоқ, ботмонлаб сараламоқ. *Ботмонлаб совурмоқ.* ▬ *Ўрда дарвозасининг саҳни ботмонлаб ҳисобланган мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик, нок ва тут ёғочлари хийлагина бор эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аканг-ку мисқоллаб топган обрўйимни ботмонлаб совуриб юборибди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Хавотир олма, болам, худо халлоқ. У бандасига дардни ботмонлаб бериб, мисқоллаб олар экан.* К. Яшин, Ҳамза.

БОТМОНЛИК Ботмон ўлчовидаги оғирликка ёки майдонга тенг бўлган. *Ошхонанинг бир чеккасида ерга қазилган кенг бир ўчоққа ярим ботмонлик бир қозон қурилиб, сув иситилмоқда эди.* С. Айний, Қуллар. *Қани энди, унда Рустам қуввати бўлса-ю, тўқсон ботмонлик гурзи билан золимнинг бошига тушириб, мих қилиб қоқиб юборса.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

БОТМОҚ 1 Суюқлик, сочилувчан жисм ва ш. к. ичига ёриб кирмоқ, чўммоқ. *Сувга томган ёғ ботмас.* Мақол. ▬ *[Шокир ота] Олдида ётган керакли асбобларни тез топа олмас, кувани қидирган қўли ширач косага ботар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кечаги чоршанба бозор бир сигир олдим денг, егани қуруқ хашаг-у, сутига қошиқ ботмайди – шундоққина қаймоқ.* «Аския».

2 Беланмоқ, кўмилмоқ; қопланмоқ. *Терга ботмоқ. Қонга ботмоқ.* ▬ *Юсуфбек шундай қараса, Амирбек ўзидан кетиб қоляпти, ҳамма ери билчиллаб, қонга ботиб келаяпти.* «Юсуф ва Аҳмад». *Замбаракнинг ўқи тегди сонима, Оқ кўйлагим ботди қизил қонима.* «Қўшиқлар». *Отлар оппоқ кўпикка ботган, ҳар жунидан тер кетган..* «Юсуф ва Аҳмад». *Мадаминнинг йўғон, семиз қора бармоқлари ёққа ботган гуручлар орасида ўрмалай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У [Рукниддин] терга ботиб, сув бўлиб кетган эди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

3 Ғарқ бўлмоқ, чўкмоқ. *Душман кемаси сувга ботди. Таваккалчининг кемаси ботмас.* Мақол.

4 Босиб, эзиб ёки ёриб ичига кирмоқ; кўмилмоқ; суқилмоқ, санчилмоқ. *Баданига аччиқ қамчи ботибди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Этак ярим бўлар-бўлмас, боғичи бўйнини кесиб юборгудай ботади.* С. Нуров, Нарвон. *Билагузук билагима ботади, Уста йигит рўмолимдан тортади.* «Қўшиқлар». *Уларнинг ўлими бу хоин чолнинг кўксига ханжардек абадий ботди.* Х. Даврон, Қақнус. *Қилич, найза синдида, Икковига ботмайди.* «Нурали».

5 Тиқилиб ёки кўмилиб, юролмай қолмоқ, зўрға юрмоқ. *Этиги тўпиғигача лойга ботиб кетди.* «Ёшлик». *Баъзан Бектемир тиззагача лойга ботади. Калавланади, йиқилади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Олдинда бархан тепа пайдо бўлиб, машина ундан ўта олмай, ғариллай-ғариллай қумга ботиб қолди.* М. Мансуров, Ёмби. *Тиззасигача тупроққа ботиб, бир ёнбошига қийшайиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Қарзга ботмоқ Катта миқдорда қарз бўлмоқ. *Отамуродни уйлантирганларида қарзга ботди.* «Шарқ юлдузи».

6 *кўчма* Бирор руҳий ҳолатга тушмоқ, кўмилмоқ; бирор салбий муҳит, ғоя ва ш. к. таъсирига берилиб ёки гирдобига тушиб қолмоқ. *Шербек хаёлга ботиб, узоқ жим қолди, сўнг чуқур уҳ тортди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гулнор бошини эгиб, чуқур сукутга ботди, бир лаҳзада юзини изтироб кўланкаси қоплади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уларга тикилиб гоҳ жилмайди, гоҳ қайғуга ботди.* «Ёшлик». *Гуноҳга ботасизлар! Бор, юз-қўлингни ювиб чиқ, хазон бўлгур.* Ҳамза. *-Дадаси! Гуноҳга ботманг, дадаси! – деди чириллаб.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

7 *кўчма* Қаттиқ тегмоқ, оғир туюлмоқ. *Бу гап менга анча оғир ботди, лекин чидадим.* «Ёшлик». *Исфандиёрнинг беандиша мулоҳазаси бош вазирга оғир ботди.* С. Сиёев, Аваз. *Лодон деding, сенинг сўзинг менга ботибди, Шундай лодон неча девни ютибди.* «Маликаи айёр».

Айил ботмоқ *айн.* **қаттиқ ботмоқ** *қ.* **қаттиқ**. *Бу гаплар Назокатга айил ботди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Айил ботадиган жойи шундаки, ўз айбларини яшириш, одамлар фикрини чалғитиш ниятида софдил кишилар устидан туҳматлар уюштиради.* «Муштум».

8 Ичкари томон эзилиб, ботиқ ҳосил бўлмоқ, ичкари кирмоқ. *Али тажанг бир томони ичига ботган каскасини.. кўзигача бостириб кийди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Унинг қизаринқираган кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди.* С. Зуннунова, Олов.

9 Уфқ орқасига яширинмоқ, яшириниб, кўздан ғойиб бўлмоқ (асосан Қуёш, Ой ҳақида). *Кун қизариб ботса, қизингни узат, Тонг қизариб отса, томингни тузат.* Мақол. *Ой ботса ҳам, бой ётмас.* Мақол. ▬ *Мана уззукун бутун борлиқни қиздириб, ўз кучини кўрсатган қуёш уфқни оловлантириб ботмоқда.* Газетадан.

10 Сингмоқ, ҳазм бўлмоқ; насиб қилмоқ. *Бировни норози қилиб олинган нон менга ботмайди.* «Шарқ юлдузи». *Айронни қандай ичайин, Оч юрагимга ботмайди.* «Нурали».

БОТУЛИЗМ [*лот.* botulus – колбаса] Одамларда, шунингдек, айрим сутэмизувчи ҳайвонларда учрайдиган ўткир юқумли касаллик. *Ботулизм микроби фақат анаэроб (ҳавосиз) шароитда ривожланади.* «ЎзМЭ».

БОТҚАЛДОҚЛАР *зоол.* Ўрдакларнинг ғозсимонлар туркуми кенжа оиласига мансуб, орқа бармоқларидаги кенг тери пардалари билан бошқа ўрдаклардан фарқланувчи хили. *Ботқалдоқлар яхши учади, сузади ва шўнғийди, сув тагидан ўлжа тутиб ейди.* «ЎзМЭ».

БОТҚОҚ 1 Оёқ босиб бўлмайдиган бўш лой ва шундай лой билан қопланган ер, майдон; ботқоқлик, ботқоқзор. *Бақа ботқоғини қумсар, Балиқ – кўлини.* Мақол. *Эшак югурар қатқоқда, ҳоли маълум ботқоқда.* «Қанотли сўзлар». ▬ *Ариқни ботқоқдан тозалаб турмасанг, келадиган сув ҳам кейинчалик камайиб, охири бутунлай келмай қолиши мумкин.* Шукрулло, Сайланма.

2 *сфт.* Бўш лойли, шундай лой билан қопланган. *Ботқоқ ва балчиқ ерларда олиб бориладиган деҳқончиликни биз бир қатор халқларда ҳануз учратамиз.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

3 *кўчма* Салбий муҳит, гирдоб. *Улар мени жиноят ботқоғига итармоқчи бўлдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Баландпарвоз мақтанчоқлик билан осмонга қараб, неча йиллик турғунлик ботқоғидан қандай ўтиб келганимизга ҳайронман.* Газетадан. *Хизмат бурчи нуқтаи назаридан олиб қаралганда майор ҳақ: жиноятчилик ботқоғидан тортиб чиқариб, одам қаторига қўшиш керак.* «Ёшлик».

БОТҚОҚЗОР Ботқоқликдан иборат жой. *Ботқоқзорни қуритмоқ. Ботқоқзордан ўтмоқ.*

БОТҚОҚЛАНМОҚ Ботқоқликка айланмоқ. *Тупроқларни текширишдан асосий мақсад маълум ҳудуддаги тупроқнинг типи ва хилларини аниқлаш.. шўрланиш ва ботқоқланиш жараёнларини ўрганишдир.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

БОТҚОҚЛИ Ботқоқ ерлари кўп бўлган; ботқоқ билан қопланган. *Ботқоқли ерлар.*

БОТҚОҚЛИК Доимо ва узоқ вақт нам ва захдан балчиқ ва лой ҳолатда ётишлик. *Йўллар ботқоқлигидан юриб бўлмайди.*

2 Ботқоқ ерлардан иборат бўлган жой; ботқоқзор. *Ер юзасининг 21,3 миллион квадрат километрини музликлар, кўллар, ботқоқликлар эгаллаган.* «Фан ва турмуш». *Белгача совуқ сув ичида, ботқоқликда пудпудлаб лойни жуда юқориликка отиш керак.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Эҳтимол, улар шоликорликда ботқоқлик ва ачима ерлардан фойдаланганлар.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

БОУМИД [бо.. + умид] Умид қилувчи, умидли, умидвор. *Боумид бўлмоқ.*

Дунёйи боумид *айн.* **умидли дунё** *қ.* **умидли 1**. *-Дунёйи боумид, жигарпорамни бир кўрсам, деб келган эдим, – деди Сурхонбой кўзига ёш олиб.* И. Раҳим, Тақдир. *Дунёйи боумид, таъзияни ташлаб келган эдик.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Мамадалижон, манам, дунёйи боумид, Аҳмадхўжам билан Ҳамзахўжамга бисот йиғиб, тўй анжомини бутлаб қўйганман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БОФАНДА [*ф.* بافنده – тикувчи, тўқувчи] Тикувчи, тўқувчи. *Маълумки, бофандалар*

олдига кўпинча хотин-қизлар келиб, янги нусха қидириб юришадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бофанда(лик) ҳунарингиз бўлса, бизнинг ипларимиз бор.* «Луқмони Ҳаким».

БОХАБАР [бо.. + хабар] Хабари бўлган, хабари бор, хабардор. *Ҳар нарсадан бохабар одам.* ▬ *Дудуқ худонинг берган куни подани барвақт Тешиктепа атрофидаги пастқамликларга ёяр, шу билан бирга, чолнинг аҳволидан бохабар бўлиб турар эди.* «Ёшлик». *Эшикдан бохабар бўлиб туринг.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *-Нима гап, тинчликми ўзи? — дейди у ҳамма гапдан бохабардек.* «Ёшлик».

БОЦМАН [*голл.* bootsman < boot — қайиқ, кема + man — одам] Денгиз флотида (кемаларда) ҳамма хўжалик ишлари, тартиб ва тозалик учун масъул шахс ва шундай шахснинг ҳарбий унвони.

БОЧКА [*р.* бочка — қавариқ шаклли идиш] Ёғоч ёки металлдан ишланган цилиндрик идиш. *Ёғоч бочка. Темир бочка.* ▬ *Сидиқжон бочкани ўчоқ бошига туширгач, қайтиб ишга борди.* «Шарқ юлдузи». *Ёнилғи тўла бочкалар, тракторларнинг эҳтиёт қисмлари кўчма қум тагидан чиқарилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

БОЧКАСИМОН Бочкага ўхшаш, бочка шаклидаги. *Сўриб олинган пахта машинадаги бочкасимон бункерга келиб тушяпти.* Газетадан.

БОШ 1 Тананинг бўйиндан юқориги, олдинги (одамда, ҳайвонларда) қисми; калла. *Бош косаси (анат.). Бош мия. Бош кийимлар магазини. Дўст бошга боқар, Душман — оёққа.* Мақол. ▬ *Ўзбек ойим боши билан келинига ризолик билдириб, «баракалла!» деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Баданим ўт бўлиб ёнди, бошим оғриб, кўзларим тинди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У шошиб, от бошини чап тарафга бурди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Бошга тушган (*ёки* **келган**) Ҳаётда учраган, дуч келган; пешонасига ёзилган. *Бошга тушганни кўз кўрар.* Мақол. ▬ *Ўзбек ойим ҳам бошига тушган бу кулфатни кўришга мажбур эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уф.. Муҳаббат нима эканини бошингга тушганда биласан!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бошимизга тушган неки кулфат бўлса, фалокат, бадбахтлик, зулм, хорлик бўлса, бари шундан — нафсимиздан.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бошда бор** Тақдирда, қисматда бор; пешонага ёзилган. *Гулсумбибининг ёнига Хонимбиби қўшилишди: -Кўп ўйлашманг, ўртоқлар! Бари бир, бу гап ҳаммамизнинг бошимизда бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Тақдири азал, ўғлим, хафа бўлма, ҳамманинг бошида бор гап, — деб юпатди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Бошдан кечир(ил)ган (***ёки* **ўтган)** Ҳаётда, тақдирда кўрилган, юз берган, кечир(ил)ган. *Табиб табиб эмас, бошидан ўтган — табиб.* Матал. ▬ *Сайид Жалолхон бутун бошдан кечирганларини инқиллай-инқиллай ҳикоя қилиб берди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Бекмуродов бошидан ўтган воқеаларни ўзи айтиб берган эди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Киши ҳаёт йўлида бошдан кечирган воқеалар орасида бахтли деб ўйлаган замонларини ёдлашдан ҳар чоқ завқланади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошига ёғилган** *айн.* **бошга тушган**. *Ногаҳоний бошига ёғилган фалокатни ўзинг даф қилгин.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Бошига солмоқ** Оғир қийинчиликка, азобга дучор қилмоқ. *Жоним, ман мунча бахти қора яратилган эканманки, худо шўрлик бошимга шунча кулфатларни солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бундан кейин кўрган азобимни худо ҳеч банданинг бошига солмасин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошим кал, кўнглим нозик** *қ.* **кўнгил 1**.

2 *кўчма* Ақл-ҳуш, мия. *Бош билан иш қилмоқ. Тоғнинг кўрки тош билан, одамнинг кўрки бош билан.* Мақол. ▬ *Агрономга ўз боши билан иш қилишга рухсат бериш керак.* С. Нуров, Нарвон. *Қоратой Йўлчининг елкасини дўстона қоқиб деди: -Роса бошинг бор, иним Йўлчи, олтин бошинг бор. Гапларинг — бари ҳақ.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бош оғритмоқ (*ёки* **қотирмоқ**) 1) қаттиқ ўйламоқ, фикр юритмоқ; ташвиш қилмоқ. *Ҳаётни мукаммал қиламан, деб сиздан олдин ҳам не-не одамлар бош қотирган.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳосил Ёқубов нозикроқ бир нарса устида бош қотириб ўтирган экан..* «Муштум». *Ҳар нарсага ақлингиз етади.. Лоақал бу бахтсиз синглингиз учун биргина бош оғритсангиз-чи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) мияни ачитмоқ, гаранг қилмоқ. *Агар бошни оғритмоқчи бўлсангиз — катта кўча; тўрт томонингиз қибла.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Нима учун бошимни оғритганингизга тушуна олмадим, ўртоқ раис.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Сўз билан деҳқоннинг бошини қотириб,*

ниҳоят, тўрт ярим сўмга кўнишга мажбур қилди. Ойбек, Танланган асарлар. **Бошига келмоқ** Миясига, эсига келмоқ. *Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Бошлиқ, раҳбар. *Яхши йигит — давранинг боши.* Мақол. *Яхши хотин эрни элга бош қилур, Ёмон хотин эрини гадо қилур.* Мақол. *Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл!* Мақол. ▬ *Қирқ йигитга бош бўладиган хотин эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Синглингнинг тўйига сен бош бўласан, сенинг тўйингга Робия бош бўлади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

4 *сфт.* Лавозим, мансаб жиҳатдан катта, юқори турувчи. *Бош врач. Бош агроном.* ▬ *Рустам Сурхондарё вилоятидаги колхозда бош агроном бўлиб ишлаётибди.* «Муштум». *Директорнинг бу гапи бош инженерга қаймоқдай ёқиб кетди.* «Муштум». *Унинг отаси бош чўпон, ўзи эса чўпон ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади.* Газетадан. *Бундан сўнг ҳам бош мирзолигингизни эмас, мирза Анварлигингизни эҳтиром қиламиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

5 Улкан, катта, асосий. *Озгина юргач, «Боғизоғон»нинг бош арки олдидан чиқдилар.* Ойбек, Навоий. *Мана Хоразмнинг жанубий бош дарвозаси.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Бош соврин таъсис этилди..* Газетадан.

Бош ҳарф *тлш.* Катта ҳарф. *Ёзувда ҳар бир гап бош ҳарф билан бошланади.* «Ўзбек тили дарслиги». *Кимнинг номига хат ёки бошқа нарса келса, почтальон адресат номининг бош ҳарфида ёзилган яшикка қўйиб, юбориладиган хат бўлса, олиб кетар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 *сфт.* Энг муҳим, асосий, етакчи. *Бош масала. Бош сабаб. Пахта — бош вазифа.* ▬ *Кейинчалик мактаб саҳнасида ўйналадиган спектаклларда ҳамиша бош ролларни ижро этадиган бўлди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *-Ҳузурингизга келишимнинг бош сабаби шундадир! — деди Ҳасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бош гап *тлш.* Мустақил, асосий гап. *Ўзича мустақил, бошқа гапга эргашмаган гап бош гап деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиги». **Бош мақола** Газета ва журналларда таҳририят томонидан бериладиган, долзарб масалага бағишланган мақола. *Бош мақолада.. илғор колхозчиларнинг иш тажрибалари умумлаштирилган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бош тўғон** Гидротехник иншоотнинг энг юқори томонидаги асосий тўғон. *1940 йилнинг май ойида бош тўғон битди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

7 *сфт.* Энг олдинги, биринчи. *Бош бола. Бош келин.* ▬ *Қутидор бўлса, кўз очиб кўрган қудамиз, хотининг бўлса, бош келинимиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёши улғайганда уйланганидан, бош боласи мен эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бош бармоқ *айн.* **бошмалдоқ.** *Сал нарида қаердандир Шукруллони бош бармоғи билан имлаб чақирарди.* «Ёшлик». *Эшагини тепганда, чап оёғининг бош бармоғи чиқиб кетган экан.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Бош хотин** 1) энг олдинги хотин; 2) *этн.* энг катта хотин. *Нажмиддинбойнинг бош хотинидан Абдуллабой, кичик хотинидан Фазлиддин туғилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қилич халифанинг бош хотини Қумрибиби жуда ташвишга тушган эди.* С. Айний, Қуллар. *Ул кишига куёвга чиқсанг, сен бош хотин, барча хотинлари сенинг чўринг бўладилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

8 *кўчма с.т.* Одам, киши. *Бир бошга бир ўлим.* Мақол. ▬ *Бир бошга юзта хўжайин бор.* С. Нуров, Нарвон. *Бу бош дунёга келиб нималарни кўрмади-а!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Жон бошига Ҳар бир одамга, ҳар қайси кишига. *Бизнинг ферма мудиримиз жон бошига сут истеъмол қилишда Америкадан аллақачон ўтиб кетган.* «Муштум». **Сўққа бош** (*тўғриси* **сўққабош**) Якка ўзи, бир ўзи. *Ҳидоят қори, сўққабош бўлгани сабабли онасини ишга чиқарарди.* Мирмуҳсин, Михлар ва пўпанаклар.

9 (*саноқ сонлар билан*) Чорва ҳисобида ҳар бир адад жонивор. *Ўн бош от. Икки бош қўй. Ҳар бош сигирдан икки ярим минг литрдан сут соғиб олинди.* ▬ *Колхоз чорвасига бир юз ўн тўққиз бош мол қўшилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

10 Тик нарсаларнинг тепа қисми, учи, чўққиси. *Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди.* Мақол. *Тоқатлига тоғлар эгар бошини, тоқатсизнинг бировлар ер ошини.* Мақол. ▬ *Қуёш тик кўтарилиб.. иссиқдан майсаларнинг боши эгилди.* Шуҳрат,

Шинелли йиллар. *Гул очилгай қояларнинг бошида, Лолалар бор булоқларнинг тошида.* Ҳ. Олимжон.

11 Бирор маросим, тадбир, воқеа-ҳодисанинг рўй бериш, амалга ошиш жараёнидаги дастлабки босқич. *Юсуфбек ҳожининг ўзи иш бошида туриб, Ойбодоққа ташқари ҳовлини тозалатарди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юринг, холажон, қизни ўзим топаман, тўйнинг бошида ўзим бўламан, ёр-ёрни ҳам ўзим айтаман..* О. Ёқубов, Пьесалар. *Билдимки, бу иғволарнинг бошида ўзи бошқош.* К. Яшин, Ҳамза.

12 Ён, олд, томон. *Саидмурод ака хашакчилар бошига борганда, улар тушликка чиқишган экан.* Н. Қобул, Беморлар. *Тез-тез бошимга бориб тур.* С. Аҳмад, Юлдуз.

13 Ўрин, каравот ва ш. к. нинг бош қўйиладиган юқори томони; шундай ўринда ётган кишининг белдан юқори томонидаги жой. *..сўри устига ёзилган ўриннинг бош томонидаги учи тепага чўнқайтириб қўйилган ёстиқлар.. озода ҳаётдан хабар берарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *..ўрнидан дик этиб туриб, каравот бошига ташлаб қўйилган шимнинг камарини суғуриб олди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Асқар ота бориб, сағананинг бош томонига чўкка тушди ва баланд овоз билан қуръон ўқиди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Бир вақт ҳушимга келсам, отам бошимда йиғлаб ўтирибди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

14 Баъзи отлар билан бирикиб, шу от орқали ифодаланган нарсанинг ўзини ёки у ўрнашган жойни, ён-атрофини билдиради. *Нигор ойим ўчоқ бошида овқат пишириш билан машғул эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мулланаврўз хирмон бошида қолди.* С. Айний, Қуллар. *Отам машъалани тутиб, охур бошига бордилар.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Ҳайдар ота шу баҳона билан у ёқбу ёқни ҳам кўрай деб, айланишроқ бўлса ҳам, бозор бошидан юрди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

15 Чўзиқ, давомли, бўйли нарсалар, жой, майдонларнинг бошланиш жойи ёки охири, этаги; шундай нарсаларнинг икки учидан, чеккасидан, томонидан бири. *Дарё бошланган жой дарё боши дейилади.* «География». *Ёрмат Йўлчини судраб, кўчанинг бошига, аравалар тўхтаган жойга югурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хиёбоннинг бу бошида нақшдор, ҳаворанг баланд айвоннинг бир чеккаси кўриниб турарди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Аваз дала бошида, омонат бир чайла соясида соч олиб турарди.* С. Сиёев, Аваз. *Хонанинг у бошидан бу бошига юрди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Боши берк кўча 1) бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб кетиб бўлмайдиган кўча. *Извош боши берк кўчада тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу боши берк кўчада у узоқ қамалиб қолмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *кўчма* мушкул, қийин аҳвол, чорасизлик, иложсизлик. *Отабек боши берк кўчада қолгандек бўлди, жавобига қийналди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахир ҳали биз боши берк кўчага кириб қолганимиз йўқку. Улар билан олишиб кўрамиз.* С. Аҳмад, Уфқ. **Боши-кети йўқ (***ёки* **кўринмаслик)** Бошланиши ва охири номаълум, чексиз, тугамас. *Траншея қирғоғи бўйлаб ялтироқ йўғон қувур чўзилиб кетган, боши-кети кўринмайди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *..боши-кети йўқ меҳнат давом этмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

16 Воқеа, ҳодисанинг, бирор муддат ёки фаслнинг, асар, матн ва ш. к. нинг бошланиш жойи, пайти, аввали, муқаддимаси. *Ҳикоянинг боши. Йилнинг боши. Ишимнинг боши йўқ, Ошимнинг моши йўқ.* Мақол. *Тўйнинг боши — бошлангунча.* Мақол. ▬ *Қиз сўзнинг бошини эшитиб илжайди, охирини эшитиб, қўрқувдан бўзарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мамлакат урушнинг бошидаёқ отадан айрилиб, она қўлида қолди.* Ў. Умарбеков, Сирли соҳил. *Тўти бу хатнинг бошини эшитибоқ, ўзини ерга кўтариб урган эди.* С. Зуннунова, Олов. -*Мен, бўлмаса, гапни бошидан бошлай, — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сентябрь бошларида полк ғарбга томон йўл олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳомиднинг совчиси бошқа совчиларнинг муқаддимаси, ёз бошида келадиган қалдирғочларнинг йўлбошчиси эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Аввал боши Аввало, даставвал. *Бу гапни аввал бошда ўзи ковлаб қўйганлиги учун жим туришга мажбур эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу саволга аввал боши Бўтабой акам жавоб беришлари керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аввал боши ўзимизнинг колхозчиларга тушунтириш керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бир бошдан** 1) бошидан, бошланиш жойидан, тартиби билан, бафуржа.

Мен ҳадеб савол бераверганимдан кейин инженер ҳамма воқеани бир бошдан гапириб берди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *У ўз бошидан кечирган кулфатлар қанчалик оғир бўлса ҳам, бу жонажон дўстларига бир бошдан сўзлаб беришга тайёр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) бир чеккадан, тартиби билан. *Проводник кўзойнагини бурун четига тушириб олиб, бир бошдан билетларни текширишга киришди.* З. Фатхуллин. *Ойимхон унга [Гулсумга]: -Майли, қийналиб ўтирма, сенга бир бошдан ҳамма ҳарфларни ўргатиб қўя қолай, — деди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Хат** (*ёки* **сатр**) **боши** *айн.* **абзац.** *Хат бошидан такрор ўқимоқ.* **Қайта бошдан** Қайтадан, янгидан.

17 Воқеа, ҳодиса ва ш. к. нинг бошланиши учун баҳона бўлган нарса, дастлабки сабаб. *Қўшнимнинг оши — жанжалнинг боши.* Мақол. ▬ *Қумринисо Собирахонга кўз қисиб: -Ўйин-кулгимизнинг боши Баҳрихоннинг тўйи бўлади, — деди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Бахтни бировларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

18 Баъзи ўсимликларнинг калла ёки чочоқ шаклидаги ҳосили, меваси. *Бир бош узум. Бир бош карам. Топган гул келтирар, топмаган — бир бош пиёз.* Мақол. ▬ *Пештахта олдига бориб, саватдаги узумдан бир бош танлади-да, тарози палласига қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қаёқдан ҳам бир бош кўкнор топиб ичирдик, оғзига жийданинг сувини томизиб кўрдик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

19 (*саноқ сонлар билан*) Карра, ҳисоб. *Беш бош қилиб олмоқ. Ўн бош қилиб тўламоқ.*

20 3-ш. эгалик ва ж. к., ў.-п.к., ч.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (*қ.* **бошига, бошида, бошидан**).

Аёл (*ёки* **хотин) боши билан** Хотин киши бўлгани ҳолда, аёл, ожиза бўла туриб. *Энди хотин боши билан Марғилонга мурожаат қилсинми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аёл боши билан мистовоқдек кетмонда ишлаганда, биз юрамизми кафтдек кетмон тутиб.* Т. Ашуров, Оқ от. **Бева (ёлғиз) боши билан** Эрсиз (хотинсиз) ҳолатда қийналиб, ёлғизлик билан, ёлғиз ўзи. *Наинки битта шу қизи деб умрини ўтказса, кўзимнинг оқу қораси деб авайласа, бева боши билан шунчалик ўстирса-ю, у юзига тик қараса?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Сени севмасам, ярим кечада, қоронғи кўчада ёлғиз бошим билан орқангдан югуриб юрармидим?!* С. Айний, Қуллар. **Бир ёстиққа бош қўймоқ** *қ.* **ёстиқ.** *Зайнаб ҳам умид билан бир ёстиққа бош қўйган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир ёқадан бош чиқармоқ** Бир жон, бир тан бўлиб, ҳамжиҳатлик, якдиллик билан. *Кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, унинг кучи океан тўлқинидан ҳам зўр бўлади.* С. Маҳкамов, Шогирд. *Эндиги гап ўзларингда қолди. Бир ёқадан бош чиқаринглар.* С. Аҳмад, Уфқ. **Бирор ишнинг бошини ушламоқ (***ёки* **тутмоқ)** Бирор ишни, ҳунарни пухта эгаллаб, шу ишда муқим бўлмоқ ёки умуман ишламоқ; бекор юрмаслик. *Бундоқ далаларга чиқиб, бирор фойдалироқ ишнинг бошини тутсангиз бўлмайдими?* С. Нуров, Карвон. *Вақти-соати келса, ўқиб оларман.. ундан кўра бир ишнинг бошини тутай.* М. Ҳазратқулов, Журъат. **Бош бурмоқ** Ваъдасидан чиқмаслик, бўйсунмаслик. *Мен шу қилган яхшилигингга сендан рухсатсиз бош бурсам, ўттиз пора каломулло урсин!* Ҳамза, Танланган асарлар. **Бошга битган бало** *қ.* **битмоқ** III. *Ўртоғингиз бошимга битган бир бало бўлди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бошга қўймоқ** *айн.* **бошига кўтармоқ 1**. **Бошга қўндирмоқ** Киймоқ. *Курткани елкамга ташладим, дўнгалак «грузинча» шапкани бошга қўндирдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Боши билан** 1) бутун вужуди билан, астойдил. *Олимжон кўпдан кутилган ишга боши билан кўмилиб кетган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) жони, ҳаёти билан. *..агар бундан бир хиёнат чиқмаса, ҳаммадан бурун мен бунга бошим билан жавоб бераман.* С. Айний, Қуллар; 3) боши ёрдамида, бош ҳаракати билан. *Қоратой боши билан «йўқ» деди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзбек ойим боши билан келинига ризолик билдириб, «баракалла!» деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Боши боғлиқ** Унаштириб қўйилган. *Аччиқланма, бек йигит, ўзи уятчан қиз, яна боши боғлиқ.* Ойбек, Навоий. **Боши бузуқ** *ёки* **бузуқ бош** Иғвогар, тескаричи, бузуқ фикрли. *Мана сенга, уйингга боши бузуқларни йиғганинг учун!* С. Сиёев. Ёруғлик. *Амир қозига буйруқ юбориб, боши бузуқ оёқлангларни ва эски қулларнинг авлодини тутиб қама, деган.* С. Айний, Қуллар. **Бошига етмоқ** 1) ўлдирмоқ, ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ. *Отангнинг бошига етган ўшалар.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ўпкасида қолган осколка ўн*

йилгача азоб бериб, охири бошига етди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси; 2) охиригача бориб, етиб тугатмоқ; тугатмоқ. *Ҳозиргача олтмиш тугуннинг бошига етдингиз.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бошига кўтармоқ** 1) жуда иззат-ҳурмат қилмоқ, ҳурматини бажо келтирмоқ. *Шарафларга буркаб ота номини, Бошига кўтарди онажонини.* Б. Бойқобилов, Садоқат. *Қани энди бошқа оталардек бўлса, бошимга кўтармасмидим.* С. Аҳмад, Уфқ. 2) ҳаммаёқни бузгудек шовқин солмоқ, жанжал қилмоқ. *..товоқнинг жиндай жойи учган экан. Қайнанам шуни кўриб қолди-ю, бутун ҳовлини бошига кўтарди.* «Муштум». *Шунча эркакнинг орасида уялмайсанми ҳовлини бошингга кўтариб бақиргани, шарманда!!!* К. Яшин, Ҳамза; 3) шодликдан, хурсандчиликдан бақирмоқ, шовқин солмоқ. *Тўйиб-тўйиб шўхлик, бебошлик, «жиннилик» қилсанг, водийни бошингга кўтариб қаҳқаҳа урсанг.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қизлар уйни бошларига кўтариб, «ёр-ёр» айтишаётган пайтда, Санобарга яқин келиб, унинг кифтига қўлини қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. **Бошига сув қуймоқ** 1) ноўрин сарфламоқ, тугатмоқ, тамомламоқ. *Ҳаш-паш дегунча бригадага берилган 14 минг сўмнинг бошига сув қуйди.* «Муштум». *Сендан нима кўряпман? Қайтанга топган-тутганимнинг ҳам бошига сув қуяпсан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) пачавасини, расвосини чиқармоқ. *-Манави-ку, – бувим мени кўрсатдилар, – ўқишнинг ҳам бошига сув қуйди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Бошига урадими?** Унга нима кераги бор? Кераги йўқ. *Опоқижон, ундай деманг, бошингизга урасизми ўша бетайин қизларнинг молу дунёсини?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ҳе, иззатини билмаган пасткашлар, икки мингни бошимга ураманми?* «Муштум». **Бошига чиқиб** (*ёки* **миниб) олмоқ** Бировга ҳукмрон ёки хўжайин бўлмоқ, бўйсунмай қўймоқ. *Бундай йигитнинг эса у бошига миниб олиши турган гап эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Сенларда ўзи инсоф деган нарса борми? Пенсионерман деб бошимизга чиқиб оласанлар, шекилли.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Чўри қиз бошимизга чиқиб, бизларни оёқ учи билан кўрсатади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошига ўтқазиб қўймоқ** Ҳаммадан устун қўймоқ, роса эъзозламоқ. *Ёш, чиройли хотинга ёқиш, унинг кўнглини кўтариш учун уни ҳаммамизнинг бошимизга ўтқазиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошида ёнғоқ (***ёки* **тош) чақмоқ** Доимий равишда хўрламоқ, азобламоқ, жабрламоқ. *Кейин Гулнорга худо беради, у эрка-арзанда хотин бўлиб.. кўнглига нима келса, шуни қилади.. бошимизда ёнғоқ чақади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уч кун ўтмай [кундошим] бошимда тош чақишга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошида калтак** (*ёки* **таёқ) синмоқ** *қ.* **калтак**. *..мудирнинг таёғи кўпроқ унинг бошида сина бошлади.* «Гулдаста». **Бошидан зар қуймоқ** *қ.* **зар. Бошида қолмоқ** Кеpакмас, зарурмас; қуриб кетсин маъноларида ишлатилади. *Қараб туринг, тўйига ҳам бормайман, тўйи бошида қолсин.* Т. Алимов, Совға. *Топиб келган матоҳинг бошингда қолсин.* С. Аҳмад, Юлдуз. **Боши ёстиққа тегмоқ** 1) ётмоқ, ухламоқ; 2) касалланмоқ, бетобланмоқ. **Боши кетмоқ** Ўлдирилмоқ, қурбон бўлмоқ. *..тўғри гапир, бўлмаса бошинг кетади.* У. Исмоилов, Сайланма. *Бошимиз кетсаям, қайтмаймиз бу йўлдан.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Боши кўкка (***ёки* **осмонга) етмоқ** Ғоят хурсанд бўлмоқ, жуда ҳам кўнгли кўтарилмоқ. *Масалани шундай ҳал қилиш керак эди. Каримқул акадан эшитиб, бошим кўкка етди.* Ойбек, О. в шабадалар. *Тўсатдан кириб борсам, онам бечоранинг боши кўкка етар..* «Гулдаста». **Бошинг тошдан бўлсин** Умринг узоқ бўлсин, завол кўрма, ўлма. *Ҳа, ишқилиб, боши тошдан бўлсин.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Хайр, ўғлим, қаерда бўлсанг ҳам, омон бўл, бошинг тошдан бўлсин.* «Гулдаста». **Бошини айлантирмоқ** *қ.* **айлантирмоқ.** *Оилали бўла туриб, ёш қизнинг бошини айлантиришга уялмадингизми?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Бошини боғламоқ** Унаштириб ёки уйлантириб қўймоқ. *Биз Отабекни Тошкентдан уйлантириб, бошини боғламасак, кун сайин унинг Марғилон югуришидан қутула олмасмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Иккала томоннинг келишувидан сўнг фотиҳа қилиниб, қизнинг боши боғланди.* «Муштум». **Бошини букмоқ** 1) уялтириб, ерга қаратиб қўймоқ. *Секин гапир, секин.. шарманда қилдинг, бошимни ерга букдинг, сен жувонмарг!* Ойбек, Танланган асарлар. *-Туринг, қизим, – элликбошининг товуши бирдан мулойимлашади, – ота-онанинг бошини букманг.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бўйсундирмоқ, тиз чўктирмоқ, тобе қилмоқ; тушкунликка туширмоқ. *Ўйла, Қора-*

той. Ишқилиб, Йўлчи боламга таянч бўл, ёлғизлатма, йигитнинг кўнгли бузилмасин, боши букилмасин. Ойбек, Танланган асарлар. *Қарз кишининг бошини букади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошини емоқ** *айн.* **бошига етмоқ.** *Ҳуснинг бошингни ейди..* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ота-онасининг бошини еган шум етим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бошини иккита қилмоқ (***ёки* **қўшмоқ)** Уйлантириб қўймоқ. *-Биз ҳам орзу-ҳавас кўрмай ўтмасак: кўзимизнинг очиқлигида бошингни иккита қилиб қўйсак деймиз-да, ўғлим, — деди чол.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир амаллаб қишдан чиқсак, Полвонбойнинг бошини ҳам қўшиб қўярмиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Бошини силамоқ** 1) эркаламоқ, юпатмоқ. *Йўлчи Гулнорнинг бошини силаб, воқеани қисқача айтиб берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нозим Зуҳранинг бошини аста силаб, ўз кўз ёшини белбоғи учига артди.* «Гулдаста»; 2) ўз паноҳига олиб ардоқламоқ, боқмоқ, тарбия қилмоқ. *Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни.* Мақол. ▬ *Нодира онаси ўрнида Анварнинг бошини силаб, истиқболи учун қайғурди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бошини тикмоқ** Ўзини қурбон қилишга тайёр бўлмоқ. *Нега энди.. меҳнаткаш мусулмон учун бошини тиккан.. йигитни жаллод болтасига топширар экан?* К. Яшин, Ҳамза. *..Ҳа, Ҳомид ака, сиз жонни аямасангиз, мен ҳам йўлингизга бошимни тикдим..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бошини хам қилмоқ** Уятга, номусга қолдириб кетмоқ, бошини (юзини) ерга қаратмоқ. *Эл-юрт олдида бошимни хам қилиб кетдинг, орқангдан қувмадим.* С. Аҳмад, Уфқ. *Арзимаган иш деб бошини хам қилманг.* С. Аҳмад, Уфқ. **Бошини қовуштирмоқ (***ёки* **бириктирмоқ)** *қ.* **қовуштирмоқ. Бошини қотирмоқ (***ёки* **оғритмоқ)** 1) бўлар-бўлмас иш, ҳаракат, гап ва ш. к. билан жонига тегмоқ, безор қилмоқ. *Бемаъни саволларинг билан бошимни қотирма;* 2) узоқ ва жиддий ўйламоқ; ташвиш чекмоқ. *Бу азалий жумбоқ устида не-не алломалар бош қотирмади дейсиз.* «Фан ва турмуш». *Букун ҳам худди шу мақсадда йиғилишиб, декча қайнатиш ғамида бош оғритишарди.* Ойбек, Навоий. **Боши очиқ** (*ёки* **бўш**) 1) паранжи ташлаган, паранжи ёпинмайдиган; очиқ; 2) унаштирилмаган, уйланмаган ёки ажралишган. *Энди у [Мунаввар] боши очиқ қиз бола эмас. Оилали.* С. Анорбоев, Меҳр. *-Бугундан бошинг очиқ. Уч талоқ қўйдим.* «Ёшлик». *Ўзбекларнинг яхши қизи бор бўлса, Боши бўшми дейин, аввал сўрайин.* «Алпомиш». **Боши чиқмаслик** (*ч.к. билан*) Сира қутулмаслик, бўшамаслик; доимо ташвиш, ғалва билан яшамоқ. *Унинг боши касалдан чиқмай қолди.* ▬ *Ана шундан бошлаб ташвишдан боши чиқмай қолди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *..ҳеч яхшилик қилмай дейман-у, кўнгил бўшлик қилиб қўяман, кейин бошим ғалвадан чиқмайди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Боши қоронғи** Баъзи ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида бўладиган ҳолат, аҳвол (мас. бирор нарсани тусаш ёки унга тоқат қилолмаслик). *Унинг анорга боши қоронғи. Боши қоронғига олам қоронғи.* Мақол. ▬ *Вика ҳомиладор, унинг иттифоқо «кока-кола»га боши қоронғи бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар. **Боши қотмоқ** (*ёки* **шишмоқ**) Нима қиларини билмай қолмоқ, гангиб қолмоқ; доимо ўйлаб, бирор хулосага келолмай юрмоқ. *Бу битмайдиган савдодан Элчиевнинг ҳам боши қотиб юрарди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Ёш журналист топшириқни олишга олиб қўйиб, боши қотиб қолди.* «Муштум». *Эшитдим, лекин нима чора? Шу кунда ҳамманинг боши шишган.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бош кўтариб юрмоқ** Юзи ёруғ, пок, ҳалол бўлганлиги учун кишилар ўртасида бемалол, хижолат бўлмай, ерга қарамай юрмоқ. *Сиз эсингизни еб қўйибсиз, ўғлингизни марғилонликка топшириб қўйиб, яна эл ичида бошингизни кўтариб юрмоқчи бўласизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қизингизни деб шаҳарда бош кўтариб юролмайдиган бўлдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бош кўтармоқ** 1) оёққа турмоқ, тузалмоқ. *Бемор касалдан бош кўтарди;* 2) машғул бўлган бирор ишдан тўхтамоқ, узилмоқ. *Профессор Шерзоднинг касаллик варақасидан бош кўтарди-да, негадир жилмайди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *-Яхши, — деди Турсунбой ишидан бош кўтармай.* С. Аҳмад, Уфқ; 3) униб чиқмоқ, кўкармоқ. *Кўклам келиши билан бегона ўт бош кўтармасин деб.. ер молаланди, чизелланди.* Ҳ. Нурий, Яшил хирмон. *Қишлоқ ёмғирдан ювилиб, яшнаб кетган эди. Деворлар тагида адашиб бош кўтарган мунис майсалар эртага қор остида қолишидан бехабар яшнаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 4) уфқдан кўтарилмоқ,

чиқмоқ (асосан Қуёш, Ой ҳақида). *Қуёш уфқдан аста бош кўтариб, ўзининг заррин нурларини соча бошлади.* «Ёшлик». *Қишлоқ қизларидай лўппи юзли ой Бошини кўтарди, кулди саҳро, сой.* Ғайратий; 5) қарши ҳаракат қилмоқ, исён қилмоқ, қўзғалмоқ. *Тошкент ҳокими бўлган Азизбек Қўқонга қарши бош кўтарган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Камбағал бош кўтарса, бой тош кўтаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бир вақт келиб, дадамнинг куни етса, Гулнорнинг чурвақалари бош кўтаради.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бош олиб кетмоқ** Ҳамма нарсадан воз кечиб, бошқа жойларга бутунлай кетиб қолмоқ. *Ўз акамга мен сиғинди бўлгунча, Бу ўлкадан бошим олиб кетайин.* «Алпомиш». *Бугун у саройдан мутлақо бош олиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Меҳри касалхонадан чиққандан кейин, Нисо буви иккала қизи билан номаълум томонга бош олиб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бош оққан томонга кетмоқ** Дуч келган томонга, тўғри келган ёққа қараб кетмоқ. *У кўчага чиқди, қаёққа бораётганини билмай, боши оққан томонга юриб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бечора иш қидириб, боши оққан томонга борар экан.* Ойбек, Нур қидириб. **Бош оғриғи** Дардисар нарса, ортиқча ташвиш, дахмаза. *Ростини айтсам, шу замонда гап-сўз қайнаб кетган, лекин бировининг ҳам маъноси йўқ, борида ҳам маза-матра йўқ. Ҳаммаси бош оғриғи гаплар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўлса бўлар, бўлмаса йўқ-да. Бекорга бош оғриғи қилиб, ичингдан ўртаниб юрасанми?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бош суқмоқ (***ёки* **тиқмоқ)** 1) оёқ қўймоқ, кирмоқ, етишмоқ. *Кампир энам қиз қидира-қидира тинкаси қуриди, қайси эшикка бош тиқса, сўрашармиш: савдогарми, боғи борми, уй-жойи борми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Сен ўлгур бу уйга бир марта ҳам бошингни тиқмадинг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хонага Эргаш бош суқади: -Мумкинми?* «Гулдаста». *Шербек кечки пайт оғилхонадан қайтиб келаётиб, идорага бош суқди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) ўрнашмоқ, жойлашмоқ. *У айтган толлар қулабди, бош тиқмоқчи бўлган мактаб-маориф соҳасига тамоман янги одамлар, олов нафасли ёшлар келибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) аралашмоқ, қотишмоқ. *Собиржон бировларнинг гапига кириб, шунақанги ишларга бош суқмаса эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сиз ҳам мени болам десангиз, шу бугун менинг ишимга бош суқманг.* О. Ёқубов, Пьесалар; 4) бошни тиқиб, киритиб қарамоқ, текширмоқ. *Улар эшик тирқишларидан мўралайдилар ва қия очиб, бошларини суқадирлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тоҳир пастки қаватдаги очиқ эшикларга бош тиқиб қаради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 5) қўймоқ, тирамоқ. *Гулнор бошини Йўлчининг кўкрагига суқиб йиғлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бош тортмоқ** 1) бошоқламоқ, ғунчаламоқ. *Сизни оғзи қон бўри дедим, чунки.. сиз янги очилган гулларни, энди бош тортган лолаларни вақтсиз сўлдирасиз, очилиб битмай ўлдирасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) бирор иш, вазифа, бурч ва ш. к. ни бажаришдан юз ўгирмоқ, қочмоқ. *Армани уста қора мармар лавҳадаги сўзларни ўчириб, қайта ёзишдан кескин бош тортди.* Н. Аминов, Суварак. *Қўйдек ювош мусулмонлар бугун мардикорга боришдан бош тортмоқдалар.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Бош тўлғамоқ** *айн.* **бош тортмоқ 2.** *Бу тақдирда итоатдан бош тўлғаган Тошкент устига, албатта, Мусулмонқул золим қўшин тортар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бош урмоқ** 1) бормоқ, мурожаат қилмоқ. *Йўлчи қаёққа бош уришини, кимнинг ёқасидан тутишини билмай, анча вақтгача кўчаларда тентираб юрди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ёрдам сўрамоқ, бош эгиб келмоқ. *Сенинг учун азизларга бош урдим, Боргин, болам, сени ҳаққа топширдим.* «Маликаи айёр». *Ахир фарзанд учун она нималарга бош урмайди?* «Гулдаста». *Нега ўйламай-нетмай, эшигига бош уриб келган бир йигитни қувлаб соладир?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бош устига** Бажонидил, жону дил билан. *Учрашганингиз тўғрисида менга маълумот ёзсангиз, тағин миннатдор қилардингиз. -Бош устига.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Табибийнинг гапи ножўя бўлиб, бир чаламулла боланинг сўзлари эътиборга лойиқ десангиз, миннатдормиз, бош устига, хоним.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бош эгмоқ** 1) бошини туширмоқ, ерга томон пасайтирмоқ. *Қўшиқ тамом бўлди-ю, у боягидай табассум билан оҳиста бош эгиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Аҳмад Ҳусайн бошини сал эгди, унинг туси ҳам алланечук ўзгарди.* Ойбек, Нур қидириб; 2) бўйсунмоқ, итоат қилмоқ, тиз чўкмоқ; сажда қилмоқ. *Қачонгача энди биз ётларга бош эгамиз, пора бериб кун кўрамиз.* Н. Сафаров,

Танланган асарлар. *Амирга бошини эгмаган кекса шоирни отга боғлаб, қуриб ётган ўт устида ёқиб юборишган.* Газетадан. *Кимдир тош отса ҳам гоҳо ортимдан, Қошимда бош эгди, келиб сўнгги дам.* А. Орипов, Йиллар армони; 3) ёлвормоқ, ялинмоқ. *Эркак бошимни эгиб қайтиб бораманми, унақада хотиним бўйнимга чиқиб олади, дерди.* С. Аҳмад, Уфқ; 4) мотам тутмоқ, мотамсаро бўлмоқ. *Мунгли дўппайган қабрлар устида бағри қон қизғалдоқлар бош эгди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Балки у кун бошим узра Дўстлар бош ҳам эгадир.* А. Орипов, Йиллар армони. **Бош қашимоқ** Ноиложликдан нима қилишини билмай ўйлаб қолмоқ, хаёл сурмоқ, бош қотирмоқ. *Ҳовли ўртасида бош қашиб қолди ва кўзини қисиб, хотинига қаради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бош қўшмоқ** Аралашмоқ, қотишмоқ; қўшилмоқ. *Бой, мен ўйлаган бу ишга сиз ҳам бош қўшсангиз, савоб бўлармиди?* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Укаларимнинг кир-чирини ювиб, бағрига олиб ўтирсин деб, бу ишга мен ўзим бош қўшдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Менингча, муҳими ишни бошлаб олиш, у ёғига халқнинг ўзи бош қўшади.* К. Яшин, Ҳамза. **Бош ҳарф** *тлш.* Катта ҳарф. **Иши бошидан ошиб ётибди** *қ.* **ошмоқ 1.** *Набирали бўладиган Ўзбек ойимнинг иши бошидан ошган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Катта бошини кичик қилиб** *қ.* **катта.** *Аммо-лекин хатосини тан оляпти, кечирим сўраяпти катта бошини кичик қип.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Менинг сенга бошим қоронғи эдими?** *кест.* Сенга кўзим учиб турганмиди? (номатлуб киши келиб қолганда айтилади). **Оёғига бош қўймоқ** 1) *айн.* **бош урмоқ.** *Душман қурсин, эсларимни шоширди, Мирза Маҳмуд оёғига бош урдим.* «Юсуф ва Аҳмад»; 2) бош эгиб, ҳурмат, эҳтиром билдирмоқ. *Агар кўчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу гўзал, тоза юракли, жасур, вафодор қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Эркак боши билан** Эркак киши бўла туриб. *Эркак боши билан кўчада оғзига сўрғич тиқиб, бола кўтариб юрсинми?!* Т. Алимов, Ишқилиб ўқимаган бўлсин-да. *Эркак бошлари билан оғизлари ғийбатдан бўшамайди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Ўз бошига** Ҳар ким ўз ҳолича, ўзича, мустақил. *-Бу ўтирганларнинг кўпи.. ер олиб, ўз бошига деҳқон бўлиб олди, – деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БОШАРИҚ Асосий, катта ариқ. *Ғайбулланинг ўзи бошариқ олдида шланг тортиб, ғўза суғормоқда эди.* «Шарқ юлдузи».

БОШАФҚАТ [бо.. + шафқат] Ўта шафқатли, меҳрибон, раҳмдил. *..ул соябони марҳамат ва меҳрибони бошафқатнинг хизматларига камари хизматни берк боғлаган бўлур эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОШБОШДОҚ Ҳеч кимга ва ҳеч қандай қонун-қоидага, тартиб-интизомга бўйсунмайдиган; ўзбошимча, тартибсиз, бебош.

БОШБОШДОҚЛИК Ҳеч қандай тартиб-интизом бўлмаган, ҳар ким ўз бошига иш тутадиган бир ҳол; ўзбошимчалик, бебошлик; анархия. *Баъзан қаттиққўллик ҳам керак. Усиз тартиб-интизом издан чиқади.. бошбошдоқлик бошланади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қорабулоқда том маъноси билан бошбошдоқлик ҳукм сурар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Булар натижасида адабий талаффузда ва имлода турлилик пайдо бўлди, бошбошдоқлик келиб чиқди.* «ЎТА».

БОШВОҚ (*асли* **бош + боғ**) Чорва молларининг бошига боғланадиган арқон; нўхта. *Сигир ўғирлаган қутулди, Бошвоқ ушлаган тутилди.* Мақол. ▬ *Ойниса энди сигирнинг бошвоғига қўл чўзганини билади, нақ боши устида алланарса қаттиқ гумбурлаб кетди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

Бошвоқ солмоқ Бўйсундирмоқ, жиловламоқ. *Ҳа, огоҳ бўлинглар, одамлар, огоҳ, Урушга йўл қўйманг, солингиз бошвоқ!* Газетадан. **Бошвоғини йўқотиб қўймоқ** Ўзини тута олмай, босар-тусарини билмай қолмоқ, ҳовлиқиб кетмоқ. *Баъзи нодон қизлар бошвоқларини йўқотиб қўядилар.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. **Бошвоғи маҳкам бўлмоқ** Мустаҳкам, собит, пухта бўлмоқ. *Босадиган қадамингиз, оғиздан чиқадиган сўзингиз бошвоғи маҳкам бўлсин.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Бошвоғи йўқ итдай** Ўз эркига ташлаб қўйилган, қаровсиз, назоратсиз. *Ҳамма айб ота-онангда, бошвоғи йўқ итдай қўйиб юборишади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

БОШВОҚСИЗ 1 Бўйнида боғичи, арқони, югани йўқ. *Гўзал боғларда, экинзорларда энди бошвоқсиз қорамолларнинг диринглаб чопганини.. кўрди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма.* Ўз эркига қўйиб юборилган, назоратсиз. *Эрсиз хотин – бошвоқсиз от.* Мақол. ▬ *Бошвоқсиз қолган нортуя нима-ю,*

эл назаридан қолган одам нима? С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ўғлимнинг феъли ўзимга аён-да: бошвоқсиз қолса, боши оққан томонга оғиб кетаверади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 *кўчма* Эркин, озод. *Бошвоқсиз давронни сурмоқдаман хўп, Маза қилиб қандимни урмоқдаман хўп.* Р. Бекниёз, Тўтиё.

БОШВОҚСИЗЛИК Ўйламай-нетмай иш тутаверишлик, назоратсизлик. *Шошма-шошарлик, беқарорлик, енгилтаклик.. ғайирлик ва бошвоқсизлик энг зарарли одатлардир.* Газетадан.

БОШБАРМОҚ *айн.* **бошмалдоқ.**

БОШДА *рвш.* Аввалда, дастлабки вақтда, дастлаб, аввал. *Мен сизга бошда нима деган эдим?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Офтоб ойимни юпатиш учун ўтган-кетгандан ва бошда йиғлаб эрга теккан қизларнинг чимилдиқда йигит билан апоқ-чапоқ бўлишиб кетганларидан ҳикоя қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бошда дарёнинг чап соҳили устидан жарликка қия тушган торгина сўқмоқ йўлдан юришга тўғри келди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

БОШДАН *рвш.* Аввалдан, дастлабки вақтдан. *Кийимни — бошдан, болани ёшдан асра.* Мақол. ▬ *Кўплар ақл-идрок билан ҳаёт йўлларини бошданоқ тўғри белгилаб.. кун сайин юксакликка интилаверадилар.* Газетадан.

БОШДАН-ОЁҚ *рвш.* **1** Бошидан то оёғигача. *Йўлда кета туриб, Ботирали Эъзозхонга бошдан-оёқ разм солди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Дилдорга бошдан-оёқ назар ташлаб олди-да, индамай юриб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Аёл зотининг бошдан-оёғи зарга ўралгани билан, ўзи ёмон бўлса, кимга кераги бор.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

Бошдан-оёқ кийим (*ёки* **сарпо**) *қ.* **бошоёқ.** *Марияга дарров бошдан-оёқ кийим кийдирадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хуллас, янга зўр келиб, камарни еча билса, куёв тараф енгилган бўлади. Янгага бошдан-оёқ сарпо кийгизади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бошидан то охиригача; тугал, батамом; батафсил. *Башорат воқеани бошдан-оёқ айтиб берди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Шошманг, бошдан-оёқ гапирмасам, ишонмайсиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сарой маст уйқуда, бошдан-оёқ майин ипак гиламлар тўшалган узун йўлак кимсасиз эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ернинг бошдан-оёғига экиб пиёз, Тепасига чайла қуриб, кутибдир ёз.* Ғ. Ғулом.

БОШИГА *кўм. взф.* Ёнига, олдига, қошига. *Битар ишнинг бошига, яхши келар қошига.* Мақол.

Гектар бошига 1) ҳар бир гектарга. *Гектар бошига бир машинадан гўнг солинди;* 2) ҳар бир гектардан, ҳар бир гектар ердан. *Ҳосилни гектар бошига 40 центнерга етказмоқ.*

БОШИДА 1 *кўм. взф.* Ёнида, олдида, қошида. *Аёллар кўприк бошида чапак чалиб, тиззаларини уриб чинқиришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **бошда**. [*Малика*:] *Ажаб қипти! Бошида айтдим, Зулфиядек қизни йиғлатманглар, кўз ёшининг уволига қоласизлар, дедим, кўнмадиларинг.* О. Ёқубов, Биринчи муҳаббат. *Томдан тараша тушгандек қилиб сўзланган гапларга бошида уларнинг иккови ҳам тушунмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОШИДАН *кўм. взф.* Ёнидан, олдидан, қошидан. *Ўчоқ бошидан овқатни олиб келмоқ. Қозон бошидан туриб гапирмоқ.*

БОШИЖОАТ [бо.. + шижоат] *айн.* **шижоатли.** *Мана, унинг қаршисида бошижоат отаси гавдаланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

БОШКЕСАРЛАР Каллакесарлар, безорилар, газандалар. *Айтмадимми! Ҳамма ўғри, бошкесар, ялангоёқларнинг бошида Акбарали ўзи туради!* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *..Бу бошкесарлар жонимизга тегдилар.* Ҳ. Олимжон.

БОШЛАБ 1 Бошламоқ фл. рвдш. *Бир лаҳзадан кейин Муяссарни бошлаб орқага қайтишди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Аввало, шуни айтиб қўяйки, сенга бошқа муаллим топиб қўйдим, Эртага бошлаб келгайман.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 *рвш.* Энг аввал, ҳаммадан олдин, дастлаб. *Оғриқнинг биринчи куни Кумуш ҳеч кимга сездирмай юрди. Аммо иккинчи кун буни бошлаб Отабек, ундан кейин Ўзбек ойим сезди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Азизбек*] *Бошлаб фуқарога салом берди, сўнгра синиқ ва ожиз қолган бир товуш билан халққа узр айтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бошлаб худайчи от устидан бир кимхоб тўнни олиб, қўрғонбегига кийдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўм.* (*ч. к. от билан)* Бери, буён. *Шу кундан бошлаб у ҳам раиснинг олдида тўнғиллаб*

гапирадиган бўлиб қолди. «Муштум». *..Тошпўлат туғилган кунидан бошлабоқ кулфат, ғам-қайғуга йўргакланди.* К. Яшин, Ҳамза.

БОШЛАМА Бирор ишга қўйилган биринчи қадам; ишнинг боши, бошланиши, ибтидоси. *Тўй кейинроқ бўлади, бу фақат бошламаси.* ▬ *Бошламасига Саида билан Роҳила бир-бирларининг чилвир сочларини шарт-шарт кесиб ташлашди.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз. *Ёр-ёр сўнгида анъанавий бошлама бир оз ўзгартирилган шаклда қўшиқнинг туғалланмаси сифатида такрорланиб келади.* «ЎТА».

БОШЛАМОҚ I **1** Бирор ишга киришмоқ. *У қўлларини орқасига қовуштириб, ўнг елкасини пича олдинга чиқариб туриб гап бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Гуландом чойдан бир ҳўплаб, яна ўз ҳикоясини бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулсин ўзининг қўнғироқдек товуши билан «Йиғларман» куйидан бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Йўл кўрсатиб, етаклаб, бош бўлиб бормоқ; тортмоқ, олиб кетмоқ. *Яхши билан ошна бўлсанг, яхши йўлга бошлайди.* Мақол. *Бошлиқ бўлиш осон, Бошламоқ қийин.* Мақол. ▬ *Норқўзи мухбирларни шийпон ёнидаги толзорга бошлади.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Ақл ва виждон қайси йўлга бошласа, ўша йўлга кираман.* Ойбек, Нур қидириб. *Хаёл уни яна уруш фронтларига бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 -**и(б**) аффиксли равишдош шаклида қўшма феъллар таркибига киради, мас. *бошлаб бормоқ, бошлаб келмоқ.* ▬ *Йигитча уни лойи атала бўлиб ётган бир кўчага бошлаб кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ғаввос Меъморни ўша шинам хона сари бошлаб борди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 -а, -й аффиксли равишдошлар билан ифодаланган иш-ҳаракатнинг бошланганлигини ёки унга киришилганлигини билдиради, мас. *тўкила бошламоқ, қарий бошламоқ. Шабада эса бошлади.* ▬ *Тавҳидий дафтарчани очди ва қадамини секинлатиб, ўқий бошлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ойбодоқ кета бошлаган эди, Отабек уни тўхтатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОШЛАМОҚ II *махс.* Бошлиқ солмоқ, янги бошлиқ солиб тикламоқ (этик, маҳси ва ш. к. ни). *Мен эски этигимни бошлатиб олдим.*

БОШЛАНМА *айн.* **бошлама.** *Бу икки сатр ҳар вақт анъанавий бошланма вазифасини ўтайди.* «ЎТА».

БОШЛАНҒИЧ 1 Дастлабки, бошланишдаги; ўлчаш, қиёслаш учун асос қилиб олинган; бош. *Снаряднинг бошланғич тезлиги. Бошланғич далиллар.* ▬ *Меридианларнинг бири, яъни Лондон орқали ўтадиган меридиан, «бошланғич меридиан» деб ҳисобланади.* «География».

2 Қуйи, биринчи босқич. *Бошланғич синф.* ▬ *Бошланғич таълим билимлар пойдевори ҳисобланади.* «Фан ва турмуш». *Бошланғич маълумотни олгач, у ўқитувчилар тайёрлаш курсига ўқишга кирди.* Газетадан. *Башоратни бошланғич мактабга беришнинг фойдаси йўқ.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Энг оддий, элементар. *Бошланғич физика.*

4 Дастлабки ҳолдаги, ибтидоий. *Бошланғич жамият.* ▬ *Бошланғич вақтда одамлар ёввойиликда, тушкунликда ҳаёт кечиришган.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

5 *от, айн.* **бошлама**. *Эришилган муваффақиятлар катта ишларнинг бошланғичи, холос.*

БОШЛАШМОҚ Бошламоқ I **1**, **2** фл. бирг. н. *Бийдай даштда иш бошлашди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Анвар Раъно билан бошлашиб, ҳужрадан чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Тўртинчи кун кечқурун Назиржон Тўхтақул ака билан бошлашиб кириб келди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *..сизга ишонаман. Лекин кечаси иккаламиз бошлашиб юришимиз уят бўлади.* С. Кароматов.

БОШЛИ 1 Боши, калласи бор. *Етти бошли илон (*эртакларда*).* ▬ *У [Қоратой] ўттиз саккиз-қирқ яшар, юмалоқ, катта бошли, билаклари йўғон киши эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бунинг орасида илон бошли билагузукдан тортиб ҳар хил тақинчоқларгача чиқди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кўчма с. т.* Ақлли, ақлли-ҳушли. *Бошли йигит. Олтин бошли отанг билан қолгунча, пахмоқ бошли онанг билан қол.* Мақол. *Бошлиқ бўлсанг, бошли бўл.* Мақол.

Бутун бошли Бутун, бир бутун; бутунлигича. *Ҳаммаси менга ёпишади: -Бутун бошли отнинг қаёққа йўқолганини билмасанг, нима қилиб юрибсан қоровулликнинг кафилини олиб, — дейишади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Лашкарбошининг қурумсоқлигини қаранг.. бутун бошли хумча кўмиб, ичида чақа*

ҳам қолдирмабди-я. М. Мансуров, Ёмби. *Мен сендайлигимда бутун бошли оилани тебратганман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Янги ерлар очилиб, бутун бошли янги хўжаликлар ташкил топди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БОШЛИҚ I **1** Идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. га раҳбарлик қилувчи шахс; раҳбар. *Бошлиқ бўлиш осон, бошламоқ қийин.* Мақол. ▬ *Бошлиқ ўзини бу қадар яқин олишидан Мансур Обидович сал талтайиб кетди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бошлиқ бува, минган отинг қоп-қора, Бошлиқ бўлсанг, ҳаммаларга тенг қара.* «Қўшиқлар».

2 Умуман, бошчилик, раҳбарлик қилувчи; раҳнамо. *Оила бошлиғи. Рўзғор бошлиғи. Қабила бошлиғи.* ▬ *Табибий бошлиқ шоири замонлар баъзи кунлари тўрт маротабагача Тозабоққа қатнарди.* С. Сиёев, Аваз.

БОШЛИҚ II **1** Баъзи Шарқ халқларининг совуқ, қор-ёмғир ва офтобдан сақланиш учун бошга киядиган жун ёпинчиғи.

2 Оёқ кийимининг юзи ва ёнини қоплаб турадиган қисми ва шу қисм учун бичилган тери. *Этикнинг бошлиғи йиртилибди. Этикка янги бошлиқ солмоқ.*

БОШЛИҚ III **1** Юганнинг юқори (отнинг бошида турадиган) қисми.

2 Мокининг ичида унинг икки қовурғасини бирлаштириб турган иккита темир қисм.

БОШЛОВЧИ 1 Бирор нарса, ҳаракатни бошлаб берувчи ёки унга ундовчи. *Эркак умрининг қисқаришига оиладаги жанжал-суронлар, шу жанжалларни бошловчи аёллар ҳам сабабчи бўлади.* Газетадан. *..ичкилик касофат эканини, унга бошловчи улфатлар кулфат келтиришини Носиржон тушуниб етса, тўғри йўлга тушиб олади.* Газетадан.

2 Бошлаб борувчи, етакчи. *Ақл бошловчи, тана ишловчи.* Мақол. ▬ *Кумушбиби бошловчи қизлар билан уйга кирди, ундан таралган атир ислари билан уй тўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўпти, яхши.. Сен олдинда борасан, бошловчи бўлиб..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни олиб борувчи шахс.

БОШМА-БОШ *рвш.* **1** Бошни бошга қилиб, бошни бошга қаратиб. *Бошма-бош ётмоқ.*

2 Бирни бирга (устига пул ёки бошқа нарса бермасдан, олмасдан). *Бошма-бош қилмоқ. Бошма-бош алмаштирмоқ.* ▬ *Бу отингга бошма-бошга кўнайин, Бошма-бош алишсанг, шолни берайин.* «Гулшанбоғ». *Отанг олиб келган бойнинг қизини, Бой қизига сени қилдик бошма-бош.* «Бўтакўз».

БОШМАЛДОҚ (*асли* **бош бармоқ**) Қўл ёки оёқ панжасидаги биринчи йўғон бармоқ. *Бу узукни олиб бошмалдоққа тақибди.* «Луқмони Ҳаким». *Бир вақтлар Тожибувининг бошмалдоғига хасмол чиққан эди, тузалиб кетдими?* Мирмуҳсин, Умид. *Болалар бармоқларини букиб айтувчи эдилар: бошмалдоқ, қорамалдоқ, том тешаман, бўхча ўғирлайман, худодан қўрқаман.* М. Мансуров, Ёмби.

БОШМОҚ Кигиз этик, пийма; умуман оёқ кийими. *Бир бошмоғи сувга тез чўкди, иккинчиси ивиди — бўкди.* И. Муслим. *..у ҳали бола, кичкина бола, оёқларида эчки терисидан тикилган кичкина бошмоқчалар.* М.М.Дўст, Лолазор.

БОШ-ОЁҚ: бош-оёқ кийим (*ёки* **сарпо**) Бир кишилик бир сидра кийим-бош ва пойабзал. *Сунбулхон ая Фотимага жуда катта ҳурмат кўрсатиб.. бош-оёқ сарпо қўйди.* Мирмуҳсин, Умид. *-Сизга бош-оёқ кийим! -Сўзингдан қайтма, Офтоб!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Сен менга бош-оёқ сарпо, юз тилла пул берсанг, қўлини тегизмасдан олиб бераман, — деган экан.* «Луқмони Ҳаким». **Бош-оёқ разм солмоқ** Бошидан то оёғигача қарамоқ, кузатмоқ. *Самандар ҳаяжон ичида қизга бош-оёқ разм солди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

БОШОҚ I **1** Буғдой, арпа сингари ўсимликларнинг пояси учидаги дон ҳосил бўладиган чўзинчоқ тўпгули ҳамда дон бўлиб етилган шундай тўпгул, бош. *Бошоқ чиқармоқ (тортмоқ).* ▬ *Бир гал яримта бошоқни судраб кетаётган чумолини кўрганман.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Меҳнатинг сингани учун ҳар бошоқ Оёғости бўлса, кўринар увол.* Ғ. Ғулом. *Норматга бу ерда ҳар бошоқ тагида бир одам ётгандай туюлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *айн.* **машоқ.** *Бошоқ термоқ.* ▬ *Колхознинг буғдойи йиғиб бўлингач, бошоқ теришга рухсат беришади.* Ш. Жўраев, Бола дунёни тебратар. *Кўрсаки, болалар шамолдай елиб Бошоқлар теради уйқуларида.* «Шарқ юлдузи».

БОШОҚ II *эск.* Камон ўқининг боши, уч қисми.

БОШОҚЛАМОҚ 1 Тўпгул, бошоқ чиқармоқ, бош олмоқ (ғалла ўсимликлари ҳақида). *Ҳозир шоли ёппасига бошоқлади.* Газетадан.

2 Бошоғини юлиб, териб олмоқ. *Сутқаймоқ бўлганидан бошлаб аёллар бошоқлаб, донини болаларга қовуриб егизади.* Й. Шамшаров, Тошқин.

БОШОҚЛИ Бошоқ чиқарадиган. *Бошоқли дон экинлари.* ▬ *Бошоқли ва дуккакли экинларнинг баъзи бир турларида оқсилдан ташқари анчагина мой ҳам бўлади.* Газетадан.

БОШОҚЧИ *айн.* **машоқчи.**

БОШОҒРИҚ 1 Бошда оғриқ сезиш касаллиги. *Бошоғриғингиз босилмаса, бир-икки кун ишга чиқмасангиз ҳам майли.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

Бошоғриқ гаплар Кераксиз, маъносиз, ноўрин, жиғга тегадиган гаплар. **Бошоғриқ қилмоқ** Спиртли ичимликларни кўп ичгандан кейин эртасига эрталаб яна бир оз ичиб олмоқ. *..мияси ғовлаб, бир «бошоғриқ» қилгиси ҳам келиб кетди-ю, тийилди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Лекин ўзимда бошоғриқ қилишга ҳам пул қолмади.* Шукрулло, Сайланма.

2 *кўчма.* Ортиқча юк, бошга бало, ташвиш, дардисар. *Бу Толибни нима қилсам экан? Роса бошоғриқ бўлди-ку.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БОШПАНА 1 Турар жой; уй. *Ўша пайтларда, уйсиз-жойсиз, бирор раҳнамосиз юрган кезларимда орзу қилардимки, токи менинг ҳам бир бошпанам бўлса.* М.М.Дўст, Лолазор. *..одамзод умр бўйи бошимда бир яхшироқ бошпанам бўлсин деб, тинмай елиб-югуради.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Ҳар оила ўчоғин ўз қутлуғ тарихи бор, Ҳар бошпана – кишилар меҳнатин обидаси.* Ғ. Ғулом.

2 Жон сақлаш, яшириниш ёки вақтинча истиқомат қилиш учун яроқли жой; паноҳ, маскан. *Онаси қамоқдан қутулиб чиққан ўғлини кутиб олмади.. Унга бошпана керак эди.* «Ёшлик». *Хуллас, бошпана бўлгулик ғор ҳам, бошқа бирор ўнгир ҳам топилмади.* «Ёшлик». *Қишлоққа етишдан умидимни уздим. Бошпана излаб, у ёқ-бу ёққа аланглади.* Ў. Ҳошимов, Кўприк.

Бошпана бермоқ 1) ўз уйидан жой бермоқ, ўз паноҳига олмоқ. *Эъзозхон ўзига, болаларига бошпана берган бу меҳрибон кишиларга кўмаклашиш йўлларини ахтариб кўрди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шу кеча унга бошпана бериб.. меҳмон қилдилар.* С. Абдулла; 2) *ҳуқ.* ўзга эллардан келган муҳожирларга доимий ёки вақтинча яшаш ҳуқуқини бермоқ. **Бошпана ҳуқуқи** *ҳуқ.* Бирор мамлакатда ўзга эллардан қочиб келган сиёсий муҳожирларга доимий ёки вақтинча яшаш учун бериладиган ҳуқуқ.

БОШПАНАСИЗ Уй-жойи бўлмаган, уй-жойи йўқ. *Бошпанасиз қолмоқ.* ▬ *Элчибек узоқ тоғ-тош ораларида бошпанасиз дийдираган болаларни кўз олдига келтирди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Оғир кулфатдан минглаб одамлар бошпанасиз қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БОШПУРТ *с.т. айн.* **паспорт.** *Бошпуртингда қанақа ёзилган бўлса, ўшандоқ қилиб айт.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ишқилиб, бошпуртни Нормўмин деб ўзгартирганингиз йўқми?* М.М.Дўст, Лолазор.

БОШСИЗ 1 Боши, калласи йўқ. *Мансур бахшига никоҳлаб берилган Зуҳра бегим ёлғиз ўғлининг тобутда бошсиз ётган танасини кўрганда.. дод солди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Камолон дарвозаси билан Самарқанд дарвозасигача бўлган қўрғон остлари бошсиз ва иштондан бошқаси тўналган инсон гавдалари билан тўлибдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Ақли, мияси йўқ, ақлсиз, аҳмоқ. *Ўқитувчиларга.. маҳкам бир куч деб қараб бўлмайдир, улар орасида ишга ярамаганлари, бошсизлари.. жуда кўбдир.* Газетадан.

БОШЧИ Раҳбарлик қилувчи; бошлиқ, раҳбар. *Минг қўшчига бир бошчи.* Мақол. *Ёмонларга бошчи бўлгунча, Яхшиларга қўшчи бўл.* Мақол. ▬ *Илгари ҳам чоракорларга бошчи эдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БОШЧИЛИК 1 Йўлбошчининг, раҳбарнинг, бошлиқнинг иши, мавқеи. *Бошчилик қилмоқ.* ▬ *Бошчиликни энди ўзи қўлга олиши керак.* М. Мансуров, Ёмби.*-Айт, пичан ташишга ўзи бошчилик қилсин! – деди..* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Раҳбарлик, бошқарувчилик, йўлбошчилик, раҳнамолик. *Шу кишининг бошчилигида дадамлар отларга тақа қоқиб, сонларига белги қўя бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аҳмад бошчилигидаги бир гуруҳ болалар бригада даласида ишлаб, кечаси дала шийпонида ухлашар эди.* «Ёшлик».

БОШЯЛАНГ Бош кийим киймаган, ялангбош. *Йигитлар ҳаво анча аёз бўлишига қарамай, бошяланг, кўйлакчан бўлиб олишган.*

Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *[Чол] Оёқяланг, бошяланг, эшикка қараб югурди.* Н. Қиличев, Аббос чол.

БОШҚА 1 Зикр қилингандан, айтилгандан, кўрилгандан ёки кўзда тутилгандан бўлак; ўзга. *Жони бошқанинг тани бошқа.* Мақол. *Бошқанинг тилла-гавҳаридан онангнинг сариқ чақаси яхши.* «Қанотли сўзлар». ▬ *Бизга бош бўлиб турган одам шунақа деб ўтирса, бошқалардан нима ўпкалаймиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Қиз кўнмайдими, демак, унинг кўнгли бошқа бировда, — деди Қадамбой оға.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..унинг қалби гоҳ-гоҳ бошқа бир қиз ёди билан тўлиб-тошар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Менга бошқа сўзингиз бўлмаса, сизга жавоб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Мустақил, алоҳида; бирор хусусияти билан фарқ қиладиган; бошқача, ўзгача. *Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиғи.* Мақол. *Билак — бир, бармоқ — бошқа.* Мақол. ▬ [*Абдураҳмонбой*:] *Тақсир, аслида кўтармаликларнинг эли бошқа, суви бошқа бўлган.* Н. Сафаров, Ҳуснижамол. *Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун, маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилинди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сен мени ким билан тенглаштирмоқчисан? -Гулнор бошқа, мен бошқа демоқчи..* Ойбек, Танланган асарлар. *-Э, у вақтлар, — деди хўрсиниб Рихси хола, — бошқа эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

Бошқа бўлмоқ 1) ажралиб, бўлак бўлиб чиқмоқ. *Кичик ўғли уйланиб, бошқа бўлди;* 2) ўзгармоқ, бошқача бўлиб қолмоқ. *..бу мен билган, синаган Фотима эмас. Энди ўзгариб, тамом бошқа бўлиб қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бошқа гап** 1) шундай демайсизми; шундай десангиз дуруст. *-Мана бу бошқа гап, — деди миршаббоши тиржайиб..* Газетадан. *-Ҳа, бундай дегин, — Мирзакаримбой.. гапни давом эттирди, — бу энди бошқа гап.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бошқача, ўзгача. *-Кучер аҳли ҳам.. тирикликда уйқуга қонадими, ука? Ўлганда — бошқа гап, — деб жавоб берди Жўра.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу кампирнинг устидан қаёққа дод деб бораман, бирон жойда ишласа бошқа гап эди.* «Муштум».

3 Бегона, ўзга, ёт; биров. *Бошқалар олдида уялтириб қўймоқ.* ▬ *-Пичоқни ўзингга ур, оғримаса — бошқага, деган бир гап бор, — деди жиддий вазиятда қутидор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *рвш.* Тағин, яна, қайта, такроран. *Кейин ётоқхонага боргунча бу гапга бошқа қайтишмади.* Ў. Усмонов, Қисмат. *Қодир бошқа ичмаслик шарти билан иккинчи пиёланинг ярмини ичишга рози бўлди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

5 *(ч. к. сўз билан) кўм. взф.* Бўлак, ташқари. *Бундан бошқа.* ▬ *-Менга қолса, ўртада шундан бошқа ҳеч гап йўқ, ўғлим! — деди [ҳожи].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОШҚА-БОШҚА 1 Бир-биридан бўлак, алоҳида-алоҳида; мустақил. *Шаҳарга кирганда, улар бошқа-бошқа кўчаларга бурилиб, ажралишдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жой ажратди чарх бизга Бошқа-бошқа хонадан.* А. Обиджон, Кетмагил.

2 Бир-биридан фарқ қиладиган; ҳар хил. *Лекин.. тил билан кўнгил бошқа-бошқадир, ўғлим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тилимиз, динимиз, мазҳабларимиз бошқа-бошқа!* К. Яшин, Ҳамза. *Уларнинг башараси, иши бошқа-бошқа бўлса ҳам, юраги битта бўлар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

БОШҚАЛАМОҚ 1 Ўзгартирмоқ, янгиламоқ. *Уйни бошқалаб олишибди.*

2 Бўлак қилиб қўймоқ, ажратиб чиқармоқ (мас., оиладан); ажратмоқ. *Беморнинг идиш-оёғи бошқалаб қўйилди.*

БОШҚАЛИК Бир-бирига ўхшамаслик; бошқа бўлишлик. *Шароитнинг бошқалиги.* ▬ *Тилим билан кўнглимнинг бошқалигини исбот қилингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОШҚАРИЛМОҚ Бошқармоқ фл. мажҳ. н. *Бошқариладиган ракета. Бошқариладиган бомба.* ▬ *Ҳужайралар ва умуман организмнинг ғоятда хилма-хил вазифалари ҳужайра мембраналари ёрдамида бошқарилади.* «Фан ва турмуш».

БОШҚАРИШ 1 Бошқармоқ фл. ҳар. н. *Хўжаликни бошқариш. Оилани бошқариш.*

2 *иқт.* Хўжалик объектининг иқтисодий тизими ҳолатини тартибга солиш ва йўналтириш жараёни. *Бошқаришнинг иқтисодий усули. Бошқаришнинг маъмурий усули.*

БОШҚАРМА Давлат бошқаруви тизимида бирор йирик тармоқ ёки хўжалик соҳасида юқори (олий) ёки ўрта бўғиндаги идора, ташкилот. *Сув хўжалиги бошқармаси. Ободонлаштириш бошқармаси. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси.* ▬ *Искандаров бошқармадан эшитадиганини эшитди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Университетда ҳам, геология бошқармасида ҳам*

домлани қўллаб-қувватлайдиган одамлар борлигини орқаворатдан эшитган эди. С. Кароматов, Олтин қум.

БОШҚАРМОҚ 1 Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. ишини идора қилмоқ, йўлга солиб турмоқ. *Заводни бошқармоқ.* ▬ *Йирик-йирик қурилишларни бошқардим.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Оркестрни бошқармоқ Оркестрга раҳбарлик ёки дирижёрлик қилмоқ.

2 Юргизмоқ, тебратмоқ, олиб бормоқ (хўжалик, рўзғор; давра ва ш. к. ни). *..уйимни бошқарадиган бирдан-бир фарзандим — шу қизим.* С. Айний, Эсдаликлар. *Оила бошлиғи — Зуннунхўжа, рўзғорни кампир бошқаради..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу гал ҳам ўтиришни Сайҳоний бошқарарди.* «Ёшлик».

3 Тегишли мослама ва усуллардан фойдаланиб ҳаракатга келтирмоқ, ишга солмоқ, юргизмоқ, ҳайдамоқ. *Кемани бошқармоқ. Машинани бошқармоқ.* ▬ *Пайғамов машинани ўйчан бошқариб борар.. вижирлаб турган тўрғайлар нағмасини эшитмасди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

4 *тлш.* Синтактик алоқа қонуниятларига мувофиқ маълум келишик шаклини талаб қилмоқ. *Ўтимли феъллар тушум келишигини бошқаради.*

5 *фольк.* Кўрсатмоқ, бошлаб бормоқ, етакчилик қилмоқ. *Йўл бошқариб, яйлов кўриб боради, Эргаштириб кўчган Қўнғирот элатини.* «Ёдгор». *Ҳаялламай йўл бошқаргин шу замон, Жўнаб кетсин бундан боланг Рустамжон.* «Муродхон».

6 Тўғриламоқ, йўналтирмоқ. *Ғўза эгатига сувни бошқариб қўярди-ю, ўзи пайкалнинг этагига тушиб кетарди.* «Ёшлик». *Мустафо тағин юмшади: -Бор, сувингни бошқариб кел.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

БОШҚАРУВ 1 *айн.* **бошқариш 1.** *Иш(ни) бошқарув. Бошқарув аппарати. Ўз-ўзини бошқарув органлари.* ▬ *Бошқарув аппарати.. қисқартирилган бўлса ҳам.. ҳамон катта бўлиб турибди.* Газетадан. *Операторлар бошқарув пульти ёнидан жой эгаллашди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Давлатни идора қилиш усули. *Президентлик бошқаруви.*

3 *тлш.* Синтактик алоқа талабига кўра тобе сўзнинг ҳоким сўзга маълум келишик шакли ёки кўмакчи ёрдамида боғланиши. *Тобе сўзнинг ҳоким сўз талабига кўра маълум келишик ёки кўмакчилар орқали боғланиши бошқарув деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиги».

БОШҚАРУВЧИ 1 Бошқариб, йўналтириб турувчи. *Бошқарувчи аъзоларга бош мия, юрак, икки мояк ва жигар киради.* Абу Бакр Розий.

2 Бошқарма ва умуман корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. бошлиғи, раҳбари. *Охунбобоев стол устидаги қора телефонлардан бирининг трубкасини кўтарди: -Мени давлат банкининг бошқарувчиси билан уланг.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Бошқарувчининг имоси билан Ниёз тоға ташқарига отилди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

Иш бошқарувчи Иш юритувчи; идорада ёзишма, ёзув-чизув ишларини олиб борувчи ходим, котиб. *[Тўқсонов] Ғишт заводига иш бошқарувчи бўлиб ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Полтавский бойнинг иш бошқарувчиси, суянган тоғи, ишончли одами, маслаҳатгўйи эди.* «Ёшлик».

БОШҚАТДАН *рвш.* Қайта бошдан, қайтадан, янгидан. *Бошқатдан кўриб чиқмоқ. Бузиб, бошқатдан қурмоқ.* ▬ *Бўта қовоғини солиб, унга тикилиб турди-да, дўпписини олиб, бошқатдан кийди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Энди хатни бошқатдан чиройли қилиб кўчириш керак.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Умиднинг чеҳраси очилиб, кампир буви билан бошқатдан қизиқиб гаплаша кетди.* Мирмуҳсин, Асарлар.

БОШҚАЧА Бошқалардан бирор жиҳатдан ёки бутунлай фарқ қиладиган; ўзгача, бошқа, бўлакча. *Олинг, бу бошқача узум.* ▬ *Агар гап шундай экан, сиз билан бошқача гапиришамиз.* С. Зуннунова, Янги директор. *Бир онадан алвон хил бола туғилади деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сафарбойнинг кўриниши отасига ўхшаса ҳам, қилиқлари тамом бошқача эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Сен билмайсан-да, Асрора, Дилдор чўлга келиб, бошқача бўлиб қолган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бунинг бошқачароқ бир эпини топиб бўлмасмикан?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бошқача (қилиб) айтганда Бошқа сўз билан, иккинчи турли қилиб айтганда; яъни. *[Отабек] Ҳатто баъзи кунлар ҳужрасидан ташқарига чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтганда, кундан-кунга гўшанишинликка яқинлашиб борар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОШҚАЧАЛИК 1 Ўзгачалик, фарқ қилувчанлик ҳолати.

2 Айирма, фарқ, тафовут. *Улар орасида бошқачалик сезилмайди.*

БОШҚИРД 1 Бошқирдистон Республикасида яшовчи туб халқ (миллат)нинг номи. *Бошқирд халқи.*

2 Бошқирд миллатига мансуб. *Бошқирд аёл. Бошқирд тили. Бошқирд адабиёти.*

БОШҚИРДЛАР Бошқирдистон Республикасининг туб аҳолиси.

БОШҚИРДЧА 1 Бошқирд тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Бошқирдча кийим. Бошқирдча қўшиқ.*

2 Бошқирд тили. *Бошқирдчадан таржима. Бошқирдча сўзлашмоқ.*

БОШҚОРОНҒИ Бошқоронғилик ҳолатида бўлган, шу ҳолатни кечираётган; ҳомиладор. *Бу сўз унга [хотинига] қандай таъсир қилганини фақат бошқоронғи хотингина билади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *..кечаси тушига кирибди: хотин олган эмиш, хотини шафтолига бошқоронғи бўлган эмиш.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БОШҚОРОНҒИЛИК Асосан ҳомиладорликнинг дастлабки даврида аёл организмида, руҳиятида рўй берадиган турли хил ўзгаришлар (бирор нарсани қўмсаш ёки ёқтирмаслик) ифодаси. *Қудрат хотинининг ғишаваларига «бошқоронғиликники» деб қўл силтади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

БОШ-ҚОШ Бошлиқ, раҳбар, бошқарувчи, ишнинг тепасида турувчи. *Розилик бердимас, ўзи бош-қош бўляпти.* «Шарқ юлдузи». *Кимёхон бу ишга бош-қош бўлди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Одил ака тўй ва маъракаларга доим бош-қош бўларди.* Газетадан.

БОШҚУРТ *шв.* Чорва молларида учрайдиган бир хил касаллик. *Бир ҳафтадан бери ҳали қилқурт, ҳали бошқурт.. касалларининг олдини олиш учун қўтонма-қўтон, ўтарма-ўтар кезиб, таппа ташлади.* Т. Сулаймон, Қорасоч.

БОЯ *рвш.* Сўз бораётган пайтдан бирмунча вақт олдин; ҳали; яқинда. *Боя шивалаб ёға бошлаган ёмғир тинганди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Мунира ҳам, Аҳмад ҳам боя ўрталарида бўлиб ўтган тўқнашувни унутмаган эдилар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Боя(т)дан бери Анчадан бери (сўз бораётган пайтга нисбатан). *Чокар боядан бери бир нима демоқчи бўлар, аммо Авазнинг феълини билганидан тилини тишлаб тургандек эди.* С. Сиёев, Аваз. *Жоним билан, боятдан бери айтсангиз бўлмасмиди..* Ойбек, Танланган асарлар.

БОЯГИ Боя, ҳали содир бўлган, боя юз берган, кўрилган, эшитилган; ҳалиги. *Зокир ота холанинг бояги шикоятини эслаб, кўнглидаги гапни айтолмади.* «Гулдаста». *Анвар кулди. Аммо бу кулиш унинг бояги кулгиларидан тамоман бошқа, яъни бахтиёрлик кулгиси эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ёмғир боягидан анча тезлашган бўлса-да, осмон ёриша бошлаган эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

Бояги-бояги — бойхўжанинг таёғи Ҳеч ўзгаришсиз, ўзгармаган, қандай бўлса, шундай қолаверган. *[Олимнинг] Бошини иккита қилиб қўйишса, очилар деган эдим, бояги-бояги — бойхўжанинг таёғи.* Ҳ. Назир, Қанотлар. **Бояги-бояги(дай)** Эскича, аввалгидек, олдингидек, олдин қандай бўлса шундай. *Бутун оила аъзолари уч кунгача бир-бирларига тўрсайишиб юришди. Рўзғорчилик эмасми, яна бояги-бояги бўлиб кетишди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Барваста йигит бояги-бояги сиполик билан илжайди.* «Ёшлик».

БОЯГИДАЙ, -дек 1 Аввал, илгари қандай бўлса шундай, ҳеч ўзгаришсиз. *Тўтиқиз авзойини ўзгартмай, боягидай жиддий қилиб: -Бувимнинг қизиман, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Раиса онасининг ҳамон боягидай соддалигидан қотиб-қотиб кулди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Яна боягидек бўғиқ кулги овози эшитилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Белги, хусусияти жиҳатидан олдингига ўхшаш. *Бунинг катталиги боягидай бор.* ▬ *Қўшиқ тамом бўлди-ю, у боягидай табассум билан оҳиста бош эгиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Асқар ота, Баҳри ҳеч бўлмаса ўзича дўнғиллаб қўяр, деб ўйлаган эди, ундоқ қилмади. У, боягидай очилиб, ишини қилаверди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БОЯГИЧА *айн.* **боягидай.** *Анвар боягича кулди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..дам олиш куни бўлса ҳам, боягича ишладим, — деди Ҳамбер Фарҳодга.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

БОЯКБОР [*ф.* بایکبار — бирданига, бир мартада; тўсатдан] *фольк.* Яна, яна бир бор. *Отаси билан бирга Аваздай номдор, Шоду хуррам йўл тортади боякбор.* «Маликаи айёр».

Ўғил-қизин эсга олиб мерганлар, Бу сўзларни йиғлаб айтди боякбор. «Маликаи айёр».

БОЯЛИЧ Чўлларда ўсадиган, шўрадошларга мансуб сершох бута. *Шўрхокларда.. саксовул, боялич ва бошқа буталар учрайди.* «Ўзбекистоннинг иқтисодий географияси». *Қумда ўсимлик учун шароит яхши бўлганлигидан.. жузғун, саксовул, боялич.. кўп.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

БОЯР(ЛАР) [*р.* боярин – жангчи] *тар.* 10–17-асрлар Рус давлатида феодал жамиятнинг олий табақаси унвони ва шу унвонга эга бўлган киши. *Боярнинг бошидаги узун телпаги, узун соқоли юзини янада салобатлироқ қилиб кўрсатар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БОЯҚИШ (тўғриси: **боёқиш**) *Майли, қувонсин бояқиш, у ҳам одам-ку.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Отам бояқиш эртаю кеч маҳси тикади, жўжабирдай жонмиз, топгани етмайди.* Ойбек, Улуғ йўл.

БОҚИ *қ.* **боқи(й).**

БОҚИБЕҒАМ [боқи(й) + беғам] *с. т. кест.* Ортиқ даражада беғам, бепарво, парвойифалак. *У [Йўлдош ака] Кенжага дунёни сел олса, тўпиғига чиқмайдиган боқибеғам бўлиб кўринди.* Ҳ. Назир, Васият. *-Заб боқибеғамлар бор-да дунёда, – ўйлади ичида Саид.* Й. Мўминов, Олов ва ниҳоллар.

БОҚИБЕҒАМЛИК Бепарволик, парвойифалаклик. *Эллик ёшлардаги девқомат шофёр боқибеғамлигиданми, машинани жуда секин ҳайдар эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *..бу ерда гап.. айрим раҳбарларнинг боқибеғамлик сирлари ҳақида боради.* «Муштум».

БОҚИЗМОҚ *с.т.* **Боқмоқ 9** фл. орт. н. *Докторга боқизмасам, йиқилиб қоладиганга ўхшайман.* С. Аҳмад, Ҳукм.

БОҚИ(Й) [*а.* باقى – давомли, абадий] **1** Доимий, абадий, мангу, ўлмас. *Илдизи мустаҳкам дарахтнинг умри боқий бўлади.* «Шарқ юлдузи». *Эй яша, порлоқ кун, бахтли келажак, Омон бўл, Ватаним, минг йиллар боқий.* Ғ. Ғулом. *Ҳаёт талвасаси тинмагай, аммо Мангу боқий қолур Инсон ва Хаёл.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *айн.* **бок.** *Яхшибоев жилмайди, ҳеч боқиси йўқ, демоқчи бўлди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Ҳеч боқиси йўқ, бемалол, бу киши ўзимизники.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

3 Боқи (эркаклар исми).

Боқи(й) сўзим тамом *эск.* Шу билан сўзим тамом (мактуб охирида ишлатиладиган ибора). **Боқи(й) ўн беш сўм** Қолдиқ ўн беш сўм; қолган пул ўн беш сўм. **Боқи(й) қарз** Қолган қарз. **Хизмати боқи** Хизмати учун тегадиган ҳақ. [*Қози Майсарага*:] *Мана, опа, буни олинг.. Хизмати боқи!* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Боқий дунё** У дунё, нариги дунё. *Во ажабо, онамни ҳам худди шу тахлит Сўзлар билан кузатгандим боқий дунёга.* А. Орипов, Йиллар армони.

БОҚИЙЛИК 1 Абадийлик, мангулик, доимийлик. *Ариқларнинг шилдираб оқиши, тўлқинларнинг мавжи боқийлик тимсолидир.* Газетадан. *..асрлар давомида инсоният бунёд этган маданий ёдгорликлар умрнинг боқийлиги демакдир.* Газетадан.

2 Узоқ умр кўришлик. *Барака – иноқликда, Боқийлик – қувноқликда.* Мақол.

3 Мустаҳкамлик, собитлик. *Отабекнинг бу мактуби ортиғи билан ўзининг Кумушга бўлган муносабатининг ҳамон эски ҳолида боқийлигини эълон қилар ва ўзининг осонлик билан рақибга берилмаслигини сўзлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БОҚИМ 1 Боқув, қаров, парвариш. *Боқимга қўювдим, сўйиб сотишга кўзим қиймади.* «Ёшлик». *Пешқадам сут соғувчилар ўз боқимларидаги сигирлардан мўл-кўл сут соғиб олишга эришдилар.* Газетадан.

2 *шв.* Бировнинг қарамоғида бўлган, қарам. *Жияним менга боқим. Эримникига ҳокимман, Ўғлимникига боқимман.* Мақол. — *-Бировга боқим бўлиб яшагандан ўлиб кетганим яхши-да, – дейди.* И. Раҳим, Меҳр кўзда. *Юрагининг касаллигини баҳона қилиб, ишдан ҳам бўшаб олди. Боқим бўлиб ўтирибди текинхўр!* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

БОҚИМОНДА [боқи(й) + *ф.* مانده – қолган, аввалдан қолган] **1** Қолдиқ қарз, ундирилмаган, тўланмай қолган солиқ ва ш.к. *Валихон бориб, Ғузор беклигидаги солиқларни, ҳатто боқимондаларигача ундирди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳар гал эски йилнинг боқимондаси янги йилга ўтавериб, жонга тегди.* «Муштум». *Икки киши ўтган йили боқимонда қарзи учун банди қилиниб, зиндонга олиб кетилди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Эски, аввалдан йиғилиб қолган. *Идора ҳовлисидан ўн икки тонна боқимонда ахлатлар чиқариб ташланди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БОҚИМОНДАЛИК Аввалгидек иш тутишлик, лоқайдлик, бепарволик. *Боқимондалик кайфияти.* ▬ *Программа саводсизларча, юзаки тузилган бўлиб.. унга боқимондалик билан ёндашиш асос қилиб олинган.* Газетадан.

БОҚИМСИЗ 1 Қаровсиз, ота-онасиз қолган; етим. *Нега менинг қизим ишлар экан? Сизга ўхшаб боқимсиз қолибдими?* Ў. Рашид, Қудалар. *..боқимсиз қолган болаларни йиғиб, мактаб-интернатларга топширишда фаол қатнашардик.* Газетадан.

2 Парваришсиз, қаровсиз. *Боқимсиз боғ тоғ бўлар, Юрак-бағринг доғ бўлар.* Мақол. ▬ *Қабристон кимсасиз ва боқимсиз бир боғчани эслатарди.* Ҳ. Олимжон.

БОҚИНДИ: боқинди бўлмоқ Бировнинг боқимида юрмоқ, бировга ортиқча ташвиш, дардисар бўлмоқ. *Мен бу ерда ортиқча бир юк бўлиб, қорига боқинди бўлиб қолдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. -*Бобо яхши гап айтди, — дедим унга, — чиндан ҳам баъзи биз тенглар ота-онасининг боқиндиси бўлиб юришади.* А. Эшонов, Сарбон.

БОҚИШ Боқмоқ фл. ҳар. н. *Шербек бир боқишда унинг нимадандир руҳан қаттиқ азоб чекаётганини пайқади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Унинг бу боқишида чуқур миннатдорлик, ғарибнинг ғарибга бўлган меҳри ёнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БОҚИШМОҚ Ёрдамлашмоқ, қарашмоқ. *Ёшлари етмаганлари.. акаларининг ишларига қизиқиб, уларга боқишадилар.* Ҳ. Шамс, Душман. *Бувимга мен илгари унча-мунча боқишиб турардим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Қизлардан ўргилай, уй ишларига боқишади.* С. Шамсиева, Кенг кўнгил.

БОҚИЯ *айн.* **боқимонда.** *Уезд молия бўлими.. Бекобод бўлимидан 23-йил учун 1800 сўм боқия талаб қилган.* Газетадан.

БОҚЛА [*а.* باقله — сабзавот; ошкўк] *бот.* Дуккакдошлар (дуккакгуллилар оиласи)га мансуб, пояси тўрт қиррали, барглари патсимон, гуллари оқ бир йиллик ўсимлик.

БОҚМОҚ 1 Назар ташламоқ, назар солмоқ, қарамоқ. *Кўзгуга боқмоқ. Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ.* Мақол. ▬ *Денгиз сувидек тиниқ кўзлари мулойим ва меҳр билан боқарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қора кўзлари жуда шўх боқиб, жаз этиб, бағрингга ботади.* И. Раҳим, Ихлос. *Қизнинг атрофга жовдираб турган кўзлари хомуш ерга боқди.* С. Аҳмад, Меҳрибон.

2 *кўчма* Мўраламоқ; кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Йўлчи Шокир отанинг дўконхонаси эшигини астагина очиб боқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қорли тоғлар чўққисидан боқади куёш.* Ғайратий. *Зангори денгизнинг тиниқ қўйнидан Кумуш ой нозланиб, кулиб боқади.* Уйғун.

3 Фикран назар ташламоқ, кўз олдига келтирмоқ, кўздан кечирмоқ. *Ўзига боқма, сўзига боқ.* Мақол. ▬ *Тарихга боқинг, минг йил илгари Хоразмда Беруний ўтган, у жуда кўп китоблар ёзиб қолдирган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сиз билан замоннинг зайлига боқмасак, қиёмат қойим бўлажак.* С. Сиёев, Аваз. *Ўйлаб боқсам: қалбим муштдек! Ватан жуда кенг! Ўйлаб боқсам: Ватан ва дил бирбирига тенг.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Боқсам, йўлинг ойдин экан, Кел, пойингни ўпай, ўғлон.* Б. Бойқобилов, Шарора.

4 Илтифот қилмоқ, қўллаб-қувватламоқ, ҳурмат қилмоқ. *Яхши яхшига боқар, Ёмон дарёга оқар.* Р. Жуманиёзов, Сўз кўрки — мақол. *Эл боқса, бахтинг кулар, Эл боқмаса, тахтинг қулар.* Мақол. ▬ *Бой бойга боқар, сув сойга оқар. Бўлмайди. Сиз билан иттифоқ бўлолмаймиз.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

5 Тарбиялаб вояга етказмоқ, парвариш қилмоқ; қараб турмоқ. *Бола боқмоқ.* ▬ *Биттаю битта ўғил Марғилон деган жойда, аллакимларнинг қўлида, асли номаълум кишиларнинг қизига уйлансин-да.. ўғил боқиб катта қилган она — Ўзбек ойим икки қўлини бурнига тиқиб қараб қола берсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Худойқул менинг ўз жигарим, аммадан қолган сағир. Етти ёшидан боқиб, одам қилдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Укаларимни боқса, тегаман, — дедим кампирга.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ўз қарамоғида бўлганларни моддий жиҳатдан таъминламоқ; тирикчилик эҳтиёжларини ва ш. к. ни қондириб, таъмин этмоқ. *Оила боқмоқ.* ▬ *Етим набираларни оғир меҳнат билан ҳам боқа олмаган бу жафокаш чол.. ҳовлисининг қолган қисмини сотишга мажбур бўлган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баҳорнинг бир куни қишни боқар.* Газетадан. *Отадан қолган шу қўл дастгоҳ чол-кампирни умр бўйи боқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сизнинг кетмонларингиз ўзингизни ҳам боқади, деҳқонни ҳам.* С. Сиёев, Ёруғлик.

7 Парваришлаб етиштирмоқ, асрамоқ (уй ҳайвонлари ва парранда ҳақида). *Товуқ боқмоқ. Қурт боқмоқ.* ▬ *Бир хўроз боқиб ўтирибман, тепса, хонни ўлдиради.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Шароит ёмон, жўжа боқадиган жойимиз йўқ, катаклар жуда тор.* Газетадан.

Мол (*ёки* **сигир, қўй** *ва ш. к.***) боқмоқ** 1) мол асрамоқ. *Мол боқсанг, оғзи-бурнинг мой, Бўри боқсанг, оғзи-бурнинг лой.* Мақол. ▬ *Бегимжон бу йил кузда эримнинг келишига сўяман, деб қўй боқиб юрган эди, уруш бошланиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) молни етаклаб ёки ҳайдаб юриб ўтлатмоқ. *Мен ёшликдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 Қидириб топиб ўлдирмоқ (битни, бургани).

Бош (*ёки* **соч) боқмоқ** Бошдаги битларни, сиркаларни топиб ўлдирмоқ. *Ойгул кампирнинг бошини боқишга ўтирибди.* «Олтин олма». *Қўшнилар савоб учун малакнинг сочини боқиб, ювиб-тараб қўярди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

9 *с. т.* Даволамоқ, шифоламоқ. *Унинг касалини боқмаган врач қолмади. Касални боқиб тузатмоқ.* ▬ *Ўжар экан бу солдат, деб ташлаб қўймадилар. Кўп қатори ярамни боқдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

10 Кўмакчи феъл вазифасида келиб, етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатни бажаришга уриниш, синаш маъносини билдиради. *Мингбоши Зеби киргунча, дутор олиб чертиб боқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *«Камбағал бўлсанг, кўчиб боқ, бойвачча бўлсанг, ўлиб боқ», деган гапда ҳикмат кўп экан.* С. Аҳмад, Сайланма.

Фол боқмоқ *қ.* **фол**.

БОҚОН I : **боқон солмоқ** *этн.* Туҳфа олиш учун янги келаётган келин йўлига ғов солмоқ, келиннинг йўлини тўсмоқ.

БОҚОН II Бошлиқ, раҳбар, вазир. *«Туркистон» жамиятининг боқони Аҳад Андижонийнинг сиёсий билимига тан бердим.* «Ёшлик».

БОҚУВ 1 *айн.* **боқиш.**

2 Қаров, парвариш. *Боқуви яхши.* ▬ *Боқувда ётган ҳар қўйларимиз борки, ўрнидан туролмайдиган бўлиб кетган.* «Муштум». *Ғўзаларнинг бўлиқлиги, ҳосилнинг тўлиқлиги экинга боқув бениҳоят зўр бўлганлигини кўрсатиб турибди.*

БОҚУВЛИ Парваришда, боқувда турган. *Менинг ўн бир минг тиллага олган дўнон отим бор. Етти ойдан бери таблада боқувли турибди.* «Гулихиромон».

БОҚУВЧИ 1 Назар солувчи, қараб турувчи. *Тушига отаси кирибди. Қора қош, сал қисиқ кўзлари негадир маъюс боқувчи, яғриндор одам эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Оила бошлиғи, оилани моддий жиҳатдан таъминловчи. *Боқувчиси бўлмаган оилалар.*

3 Чорва, парранда ва ш. к. ни асровчи, парвариш қилувчи. *Мол боқувчи. Қурт боқувчи.* ▬ *Болалар.. ипак қурти боқувчи хонадонларга югуриб кетишди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *От боқувчи сайислар Ғиротга яқин етибди.* «Нурали».

БОҚЧА 1 *айн.* **боғча 1**. *Суд бўладиган бинонинг боқчасида тикка туриб, айбдор билан гаплашди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Боқчаларни бир-биридан айирган деворлар кўринмас; ишкомлар, мевазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **боғча 2**. *Бир бева қўшнимиз бор, боласини қачондан бери боқчага жойлолмайди.* Шукрулло, Сайланма.

БОҒ I [*ф.* باغ – мевазор, чаманзор, бўстон] **1** Мевали дарахт, ток ва гул билан банд ер майдони; мевазор. *Олма боғи. Бахилнинг боғи кўкармас.* Мақол. ▬ *Қиз ҳамон қўнғироқдек кулар, сокин боғ унинг шодон қаҳқаҳаси билан тўлган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бизнинг юртда шу паллада токда узум, полизда қовун, боғда анор.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Зарқишлоқ кўчаларида, адир ва сойларида, сердарахт боғларида кўклам намойиши кезади.* С. Аҳмад, Уфқ.

Боғи эрам 1) *дин.* жаннат боғи; 2) *кўчма* жуда ҳам кўркам, ажойиб боғ. *Севганим қошимда бўлса, менга чўл — боғи эрам.* Ҳамза. **Боғ кўча** Шаҳардан ташқаридаги қўрғонлар, боғлар орасидан ўтган кўча. *Шербек.. боғ кўчага етганда, тўп-тўп, якка-якка бўлиб, клубга кетаётган таниш ҳамқишлоқларига дуч келди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Боғ қилмоқ** 1) мевали дарахтлар экиб, боғ юзага келтирмоқ. *Сафар бобо «Янгиобод» хўжалигига жойлашиб олгач, турли кўчатлар экиб, боғ қилди.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) *кўчма* обод қилмоқ, гўзаллаштирмоқ. *Тўғри, кенг кўчалар солдирамиз, ҳамма ёқни боғ қиламиз.* «Муштум». **Истироҳат боғи** *ёки* **томоша боғ**

Дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун қурилган махсус боғ, парк. *..қишлоқнинг ўртасида.. маданият ва истироҳат боғи бўлиб, бугун очилган канал унинг ўртасидан кесиб ўтар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Салим билан Фазлиддин «томоша боғ»да кезган сингари, секин-секин юриб, боғнинг ҳар жиҳатини кўздан кечира бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ором боғи** *фольк. айн.* **истироҳат боғи.** *Шаҳри Тилсимнинг қирқ дарвозаси бор. Қирқ ором боғи бор.* «Маликаи айёр». **Ҳайвонот боғи** Халққа томоша қилдириш ва илмий-текшириш ишлари олиб бориш учун сунъий шароитда турли жониворлар боқиладиган махсус муассаса. *Ҳайвонот боғидаги ҳайвонларнинг тури ҳам, сони ҳам кўп.* «Муштум». *Яқинда Термиз ҳайвонот боғида туғилган шер боласининг ҳаёти ўнгидан келмади.* Газетадан.

2 *кўчма* Гуллаб-яшнаб турган обод жой; гулшан. *Юрган ерларингиз боғ билан бўстон, Жонимни жонингга айлайин қурбон.* «Ойсулув». *Мактаб боғ бўлса, бола ниҳол бўлса, бу боғнинг боғбони, илм чароғбони ўқитувчидир.* Газетадан.

3 *кўчма* Суянчиқ, таянч, умид. *Фотиманинг суянган тоғи, ишонган боғи шу —Турғунбой.* Т. Ашуров, Оқ от. *Кейин у, ягона ўғли, «ишонган боғи, суянган тоғи» Раззоқнинг айрилиқ дардини тортди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 *кўчма* Ҳаёт, турмуш; оила. *Тинч элнинг боғи гуллар.* Мақол. ▬ *Бу қиз [Бадиа] амирзодалардан бирининг боғини обод қилғуси.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Севдим сени, боғим гули Тоза очилган чоғида.* У. Исмоилов, Сайланма.

5 *кўчма* Оғуш, олам; ўчоқ, маскан. *Шунда унинг хаёл боғида яна Адолатнинг чеҳраси кўринди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Эрка кўнглим эрк боғида яйрасин.* Ғайратий. *..Ҳусн боғининг бу янги эркаси [Кумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаммамизга маълумки, мактаб билим-фаннинг, одоб-ахлоқнинг асосий масканидир, боғидир.* Газетадан.

6 *кўчма* Нариги дунё; жаннат. *Энди қолар тоғни эмас, борар боғни ҳам ўйлаш керак.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Бири боғдан (келса), бири тоғдан (келади) Гаплари пойма-пой, бири-бирига ёпишмайди, қовушмайди. *Салкам бир соатдан бери дала шийпонида дув-дув гап бориб, бири боғдан келса, иккинчиси тоғдан келиб.. Хосият хола ҳақида баҳслашар эдилар.* М. Муҳамедов, Ҳикоя ва шеърлар. **Боғдан гапирса, тоғдан келмоқ** *айн.* **бири боғдан (келса), бири тоғдан (келади).** *..ман боғдан гапирсам, сен тоғдан келасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Боғдан гапирсанг, тоғдан келадурлар!* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Узумини е, боғини суриштирма** Берганни ол, олдингга қўйганни е, ич, лекин «қаердан олдинг» деб сўрама; берганнинг бетига қарама. *Йўли шунақа, узумини енг-у, боғини суриштирманг.* «Муштум».

БОҒ II **1** Боғлаш учун хизмат қиладиган нарса ва унинг боғланган жойи, тугуни; боғич. *Чимилдиқнинг боғидан Сичқон қочди, ёр-ёр.* «Қўшиқлар». ▬ *Амин нўхта боғининг қозиқда боғлиқ бўлганини кўрди-да, қиличини суғуриб, у билан ипни кесди.* С. Айний, Қуллар. *Атлас кийдим, боғин бойлайман, Сизга ваъда бердим, сўнгин ўйлайман.* «Қўшиқлар». *Бу кўринган тоғлар Асқар тоғидир, Оёғимда тилла кишан боғидир.* «Оқ олма, қизил олма».

Оёқнинг боғи бўлмоқ Бошига ташвиш, дардисар бўлмоқ; халақит бермоқ. *-Акам Қурбон бир оз эсироқ бўлгани учун, кўпинча ўз ўртоқлари билан кўчадан бери келмас, мен бўлсам онам оёғининг боғи, юрагининг доғи бўлиб, хархашадан бошим чиқмас эди, — деди Пўлат.* Ғайратий, Ёшлигимиз. **Оғзининг боғи қочмоқ** *айн.* **оғзининг боғичи қочмоқ** *қ.* **боғич.** *Оғзининг боғини қочирган Мараҳим.. яна кўп ёлғон-яшиқларни айтиб чарчади.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

2 Тўплаб, дасталаб, белидан боғланган пичан, беда, похол, кўкат ва ш. к. *Бир боғ буғдой. Бир боғ сабзи.* ▬ *Қиз кимсан — Султоновга катта бир боғ ўтинни орқалатиб, олдига солиб келарди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ғўза ўтоғига чиққан Ойшахон кечки пайт бошига бир боғ ўт қўйиб, уйларига қайтди.* П. Қодиров, Эрк. *Турғуной гапга аралашолмай, бедалар ичида бир боғ бедадай силкиниб борар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БОҒБОН [*ф.* باغبان — боғни асровчи, қўриқловчи] **1** Боғдорчилик мутахассиси.

2 Боғ ва ундаги мевали дарахтларга, ток ва гулларга қаровчи, уларни парваришловчи киши. *Боғбон бўлмай, билмас гулнинг қадрини, Ари боқмай, билмас болнинг қадрини.* Мақол. ▬ *Чўлбобонинг пайвандларини ҳавас қилмайдиган боғбон кам топилади.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

3 *айн.* **боғдор 1**.

4 *кўчма* Қўриқловчи, ғамхўр, посбон. *Ўқитувчи бамисоли боғбон, у ёшлик гулшанининг раҳнамоси.* «Фан ва турмуш». *Бу кўҳна жаҳон боғида боғбон отахонлар..* Ҳабибий, Девон. *Боғинг аро боғбон бўлиб, Терсам қизил гулларингдан.* «Қўшиқлар».

БОҒБОНЛИК Боғни парвариш қилиш билан шуғулланиш, боғбон касби. *Фаррошлик, қоровуллик, боғбонликни хотини ва болалари номига расмийлаштириб, маошини олиб юрган Бақалоқ катта хум чойнак кўтариб кирди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БОҒБОНЧИЛИК *айн.* **боғбонлик.** *Ижроқўм бува! Аммо боғбончилигингизга мен ҳам ишқибоз бўлдим.* «Аския».

БОҒ-БЎСТОН, боғу бўстон [боғ + бўстон] **1** Яшнаган боғлар ва гулзорлар. *Шарафли мақдами ҳар жойга етса, Бўлиб сермева боғу бўстоним.* Ҳабибий, Девон. *Анингдек жаннатосо боғ-бўстонлар қаён қолди?* Газетадан.

2 *кўчма* Гуллаб-яшнаган, сербоғ жой; боғистон. *Дўстлар, менинг юртимни Ўзбекистон дейдилар. Донғи тутган дунёни Боғу бўстон, дейдилар.* З. Диёр. *Муқаддас, ҳур диёрим, Ўзбекистон, пахтага консан, Улуғ номингга лойиқ хушҳаво, кенг боғу бўстонсан.* Ҳабибий, Девон.

БОҒДОР [*ф.* باغدار – боғ эгаси, боғбон] **1** *от* Боғ эгаси; боғбон. *Домладан кейин сўз олган бир киши Николайнинг вақтида боғдорларга, дўкондорларга қанча солиқ чиққанлиги.. тўғрисида узоқ сўзлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *сфт.* Боққа, боғларга эга бўлган; боғлардан иборат бўлган. *Боғдор колхоз. Боғдор туманлар.*

БОҒДОРЛИК 1 *айн.* **боғбонлик.**

2 *айн.* **боғдорчилик**. *Сув бўлмагач, боғдорлик ҳам бўлмади.* С. Айний, Қуллар.

БОҒДОРЧИЛИК 1 Қишлоқ хўжалигининг мева, узум ва резавор мевалар етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Боғдорчиликни ривожлантириш. Боғдорчилик бригадаси.* ▬ *Қишлоқ аҳли асосан тамакичилик, қисман боғдорчилик билан шуғулланади.* «Ёшлик». *Бу йигит ўтган йил институтни битирган агроном бўлиб, боғдорчилик бригадасига бошчилик қиларди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

2 Мевали дарахтларнинг тузилиши, ўсиши, ривожланиши, кўпайиши ҳамда ҳосил бериш қонуниятларини ўрганувчи, уларнинг яхши ўсиши ва ҳосил беришини таъминловчи илғор агротехник усулларни ишлаб чиқувчи фан соҳаси.

БОҒИСТОН [*ф.* باغستان – боғларга бой жой; боғлар] Сербоғ жой; боғлар ўлкаси, боғ-роғлар билан қопланган майдон. *Чирчиқнинг ёқасини, Тошкентнинг воҳасини Мен боғистон дегандим, Боғу бўстон дегандим.* Шайхзода. *Ҳар қишлоқда ўз боғистонимиз бўлсин.* «Ёшлик».

БОҒИЧ Турли нарсаларнинг учма-уч қилиб, сиқиб ёки бекитиб боғлаш учун хизмат қиладиган қисми, боғи. *Яктакнинг боғичи. Ёстиқ жилдининг боғичлари.* ▬ *Бўронбой ғилофнинг боғичини ечиб, дуторни созлади.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *У эгилиб, туфлисининг боғичини ечди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Оғзининг боғичи қочмоқ 1) оғзи катта очилмоқ (хурсандликдан, ҳайратдан). *Иқбол деганда, ўша қишлоқ йигитларининг қулоқлари динг бўлиб, оғиз боғичлари бир қарич қочади.* С. Абдулла, Иқбол; 2) гапга тушиб кетмоқ, ўзини гапдан тўхтата олмаслик.

БОҒИЧЛИ Боғичи, боғланадиган ипи, боғи бор. *Унинг қўлига боғичли ёғоч яшикчани тутқазиб, Чорсуга ташлаб ўтишини тайинлади.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Кашта тикилган боғичли кўйлакда эканлар.* «Эртаклар».

БОҒИЧСИЗ Боғи, ипи, боғичи йўқ. *Оёғидаги қора ялтироқ боғичсиз туфлисининг ингичка тумшуғига бир оз гард юққан эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БОҒЛАМ 1 Тўплаб, дасталаб боғланган нарсаларнинг ҳар бир боғи, дастаси. *Бир боғлам пиёз. Бир боғлам шох.* ▬ *Елкасидаги икки боғлам саксовул ўтинни остонага гурс эткизиб ташлади.* А. Мухтор, Асарлар. *Бу фикр унга, бошида бир боғлам тут баргини кўтариб, марзадан чиқиб келаётганида яна қайтиб келди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

2 *тиб. айн.* **боғлов.** *Гипс боғлам.*

БОҒЛАМА *тлш.* Ўз луғавий маъносини қисман ёки батамом йўқотган, феъл бўлмаган сўзни феълга хос маъно ва вазифага мословчи ёрдамчи феъл.

БОҒЛАМОҚ 1 Боғ, тугун солиб уламоқ, пайваста қилмоқ; бириктириб турмоқ. *Ип-*

ларнинг учини.. боғлаб узайтирмоқ. Ботинканинг ипини боғламоқ. Қопнинг оғзини боғламоқ. Юз қопни боғлаб бўлар, Юз оғизни боғлаб бўлмас. Мақол. ▬ *Қўлидаги ўтни ерга ташлаб, туфлиси боғичини қисиброқ боғлади.* «Ёшлик».

2 Арқон, занжир, ип ва ш.к. воситасида бириктириб, чандиб, танғиб, ўз жойидан жилмайдиган, қимирламайдиган, нари кетмайдиган қилиб қўймоқ. *Қўйни боғлаб боқмоқ. Каптарнинг қанотларини боғламоқ.* ▬ *Анварни кўрсангиз.. ҳеч нарсага қарамай, қўлини боғлангиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Молхона олдидаги гулини тўккан гилосга боғлаб қўйилган каттакон ола сигирга кўзим тушди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Фазлиддин отни илдам чиқариб, дарахтга боғлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Бирор ердан ёки кишидан айрилмайдиган қилиб қўймоқ. *Тақдир уларни бир-бирига маҳкам боғлади.* ▬ *Шарофат.. Сидиқжонни бу ерга боғлаган нарсани яхшилаб билмоқчи ва шунга қараб тош қўймоқчи бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ипсиз боғламоқ 1) бирор мажбурият билан эркини олиб қўймоқ. [*Қудрат Мирзақулга*:] *Деҳқонларни ипсиз боғламоқчилар денг! Уларни ерга боғлаб, қул қилмоқчилар денг!* Н. Сафаров, Уйғониш. -*Бизни ҳоким Тешабойга ипсиз боғлаб кетди, — деди Қудрат.* М. Исмоилий, Фарғона т.о; 2) дудмол гап, ваъда ва ш.к. билан мунтазир қилиб қўймоқ. *Шу ерда туринг, ҳозир келаман, деб бизни ипсиз боғлаб кетди.*

4 Боғич ёки бирор бошқа нарса воситаси билан бириктирмоқ ёки тиркамоқ, осмоқ. *Аҳмаджоннинг орқасига боғлаб олган сумкасига.. мина парчаси теккан эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Иложи бўлса, мени от думига боғлаб, пойга қилсалар.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Олмос пўлат боғлаб мен ҳам белимдан, Дев излаб чиққанман ўсган элимдан.* «Маликаи айёр».

5 Тўплаб, дасталаб, белидан боғ солмоқ, боғ солиб тугмоқ, дасталамоқ. *Пичан боғламоқ. Пиёз боғламоқ.*

Супурги боғламоқ Супурги ясамоқ. [*Йўлчи*] *Саватни анҳор бўйида супурги боғлаб ўтирган бир кишига омонат ташлаб, бозорга ғизиллади.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ўраб танғимоқ, ўрамоқ, тақмоқ. *Рўмол боғламоқ. Камар боғламоқ. Галстук боғламоқ.* ▬ *Бошига оқ дока рўмол боғлаган, ранги заҳил бир аёл кўринди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Жувон эшикдан кириши билан буларни кўриб, бир тўхтади-ю, дуррасини қайта боғлаб, тўғри супа томонга келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 Оғриқ ерни эҳтиётлаш, даволаш мақсадида дори-дармон қўйиб ёки шундайлигича ўраб, чандиб, танғиб қўймоқ. *Ярани бинт билан боғламоқ.* ▬ *У бирор ҳафта касалхонада ётиб чиққандан кейин, бир неча кун лунжини боғлаб юрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бошимга сассиқ бир суюқ доридан чаплаб, рўмол билан танғиб боғлаб қўйди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Тик турганча бармоғимга йод суркаб, бинт билан танғиб боғлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

8 *кўчма* Йўл-йўриқ кўрсатиш, ёрдам бериш учун бирктимоқ, бириктириб қўймоқ. *Бошқарма бизга кекса ишчилардан боғлаб қўйсин.* А. Мухтор, Туғилиш. *Раиснинг кўнглига келмасин, деб машинасига ҳам тегмади, шофёрни Мирзааҳмад аканинг эшигига боғлаб қўйди. Ўзи шалоқ аравада тоғу тош кезиб юрибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

9 Бўғиб, тўсиб, керакли томонга йўналтирмоқ (сувни). *Экинларга сув боғламоқ. Сувни боғлагунча, ариқ оч.* Мақол. ▬ *Сувни ким боғлади, тўғонни ким кўтарди?* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Султон Санжар Мозий ўйлаб, шу дарёни боғлашга қарор қилибди.* «Эртаклар».

10 Ўзида бирор нарса пайдо қилмоқ; йиғмоқ, тўпламоқ. *Яра фасод боғлади.* ▬ *Баркашда шарбат боғлаб кетган анжир, олтин сингари ҳусайни узум ва шафтоли бор эди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Боғ ва полизларда таърифи йўқ минг хил нозу неъматлар шакар боғлайди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

Шира боғламоқ *қ.* **шира** I **5**. *Ҳозир Шерозийнинг овози айни шира боғлаган пайт. Донғи Хоразмга тарқалган.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ёғ боғламоқ** Семирмоқ. **Тўр боғламоқ** Тўрламоқ (қовун, ҳандалак ҳақида).

11 *кўчма* Узвий равишда бирлаштирмоқ, бирга қўшмоқ, уламоқ. *Таълим-тарбия ишларини ҳаёт билан боғламоқ.* ▬ *Меҳнат билан муҳаббатни боғлагин, Сўнгра ҳарна тилак бўлса чоғлагин.* Ҳабибий, Девон.

12 Узвий боғланиш, муносабат асосида бир-бирига қўшмоқ, дахлдор қилмоқ, ула-

моқ, бириктирмоқ. *Икки фикрни ўзаро боғламоқ. Сўзларни боғлаб гап тузмоқ.* ▬ *Чол асл мақсадини унутиб, анча гапларни айтиб юборганини ўзи ҳам сезиб қолди-да, сўзининг охирини яна эчкига боғлади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Наврўзни динга боғладик. Ҳолбуки, бу байрамнинг ислом динига мутлақо алоқаси йўқ эди.* Газетадан.

Алоқа боғламоқ Муносабатда, алоқада бўлмоқ, муносабат ўрнатмоқ. *Пахтакор билан алоқа боғламаган селекциячининг ҳолига вой! У пўпанак босиб ётаверади.* Мирмуҳсин, Умид. *Шоир ҳарамдаги канизакларнинг бири билан алоқа боғлаган экан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бахтини боғламоқ** Бахтсиз қилмоқ, бахтига тўсиқ бўлмоқ. *Тақсир, қизнинг бахтини боғлаб қўйманг, куёвга беринг.* «Олтин бешик». **Бел боғламоқ** *қ.* **бел. Бошини боғламоқ** *қ.* **бош. Боғлаб олмоқ** Ўзига ром қилмоқ, ўзига қаратмоқ, домига илинтирмоқ. *Нозли нигоҳларинг керакмас сенинг, Боғлаб оларман деб энди ўйлама.* Миртемир. *Азиза азбаройи бола деб кўзи учиб тургандан эмас, бир амаллаб Ёдгорни боғлаб олиш учун болали бўлишни хоҳларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бас, сен ҳам нега ўғлингнинг кўнглини Зайнабга хиппа қилиб боғлай олмадинг?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Йўлини боғламоқ** Йўлини тўсмоқ, олдига рўпара бўлмоқ, тўсиқ бўлмоқ. *-Вой, ўқисин, отин бўлсин, айланай, унинг йўлини боғлаб қўйганимиз йўқ, — деди Ўғил хола Аҳмедовага чимирилиб.* Т. Алимов, Совчи. *Билмайман, йўлингни яна ким боғлар, Гулингни бегона айлама, булбул.* «Қўшиқлар». **Кўсак (**ёки **довучча) боғламоқ** Ҳосилга кирмоқ; мева тугмоқ. *Ғўзалар энди шоналаб, кўсак боғлаб келаётган бир маҳалда.. шаҳар пахта заводларига пахта ташилиши Ғуломжонни ажаблантирмади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ўтган йили апрель ойининг охирлари, ўриклар аллақачон довучча боғлаб бўлган пайт эди.* Газетадан. **Муҳаббат боғламоқ** Муҳаббат қўймоқ, севиб қолмоқ. *Муҳаббат боғладинг [Навоий], Меҳнаткаш элга меҳрибон бўлдинг.* Ҳабибий, Девон. **Тилини (**ёки **тил-жағини) боғламоқ** Тилини лол қилмоқ, гапиртирмай қўймоқ. *Латофат шу пайтгача тилини боғлаб турган аллақандай кучни енгиб, тез гапира бошлади.* О. Ёқубов, Мирзатерак. *Хотинининг бу гапи Бўтабойнинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бундаги кучли мантиқ тилини боғлади-ю, ҳеч нарса дея олмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бироқ қизи тушкурнинг ҳусними, ширин сўзларими, ҳар қалай, Ғиёсиддиннинг тил-жағини боғлаб, қулоғини кар, кўзини кўр қилиб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Умид боғламоқ** *қ.* **умид 1**. *У менга катта умид боғлаган эди, бари пучга чиқди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Янги сайланган депутатлар фаолиятига, уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатига ҳамма умид боғлаяпти.* Газетадан. **Қанот боғламоқ** Ўзида гўё қанот пайдо қилмоқ, бирор жойга учиб боргудай бўлмоқ. *Ҳовлидаги.. дастурхон теварагида текин овқат топилган жойга қанот боғлаб учиб борадиган Зағчакўз домла, Тожибой, оқсоқол ўтирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Саломат бу қишлоққа ёшлигини қўмсаган кезларда гўё қанот боғлаб учиб келишни истамасмиди?* С. Аҳмад, Ҳукм. **Қўл боғламоқ** Қўл қовуштирмоқ (таъзим, салом белгиси). *Қўрғон устида ясов тортган қаҳрамонлар қўл боғлаб.. таъзим билан Азизбекни илгарига ўтказа бошладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хон тахтда эди. Ўнг тараф курсида Абдураҳмон офтобачи ва сўлда шоир мулла Ниёз домла қўл боғлаб ўтирар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қўл-оёғи (**ёки **оёқ-қўли)ни боғламоқ** Мажбур қилмоқ, зўрламоқ. *Агар қўл-оёғимни боғлаб беришганда ҳам, бари бир, тўйни азага айлантираман.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Насибанинг оёқ-қўлини боғлагани Ҳузуржоновга сиз арқон эшиб бердингиз!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БОҒЛАНИШ 1 *айн.* **боғлиқлик.** *..ўша нотаниш йигит билан Ваҳобжон ўртасида қандайдир боғланиш, ҳатто бир қондошлик бордай туюлиб кетди.* А. Мухтор, Асарлар.

2 Воқеа, ҳодиса ва ш. к. ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа. *Узвий боғланиш. Мантиқий боғланиш. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши.* ▬ *У [Мирзакаримбой] Йўлчининг қишлоқдан қайтиб, бирдан ғойиб бўлиши билан ўзининг Гулнорга уйланиши ўртасида бир боғланиш борлигига қаноат ҳосил этган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Лексик элементларнинг синтагматик боғланиши сўзларнинг валентлилик хусусияти билан ҳам боғлиқ.* «ЎТА».

БОҒЛАНМОҚ 1 Боғламоқ 1-9, **11**, **12** фл. мажҳ. н. *Белига қўш белбоғ боғланган.* ▬ *Умид — парвозга отланган лочин, умидсизлик*

— *оёққа боғланган тош.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Қиз ва йигит бундан қарийб икки йил бурун бир-бирларига самимий муҳаббат билан боғланган эдилар.* Ойбек, Навоий.

Боғланган қўшма гап *тлш.* Тенг ҳуқуқли содда гаплардан тузилган қўшма гап. *Ўзаро тенг боғловчилар ёрдами билан боғланган содда гаплардан тузилган қўшма гап боғланган қўшма гап дейилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

2 Боғламоқ 1, **2**, **11**, **12** фл. ўзл. н. *Иппинг учи боғланиб қолибди. Улар бир-бирига боғланиб қолган. Юқори идоралар билан боғланмоқ.* ▬ *Лайло вафотидан кейин мен уларнинг оиласига қаттиқ боғланиб қолдим.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 Бириктириб қўйилмоқ. *Гулноз.. бугунги қабулини тугатиб, ўзига боғланган маҳаллани айланишга боришга отланди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

Ипсиз боғланмоқ Иложсиз, ҳаракатсиз бўлиб, бирор жойдан қимирлай олмаслик. *Анвар ипсиз боғланиб, икки оёғи полга михлаб қўйилгандай, на у ёқ, на бу ёққа юролмай, ҳушини йўқотиб қўйган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. **Тили боғланмоқ** *қ.* **тил 1**. *Тиллари боғланиб, ақлдан шошди, Алами Тўлабнинг ҳаддидан ошди.* «Гулихиромон». **Қўли боғланиб қолмоқ** 1) қўли банд бўлиб қолмоқ; 2) қўли бекор қолмоқ, иш қилолмай қолмоқ. *Косиб чоршанба куни бозор қилмаса, бир ҳафтагача қўли боғланиб қолади.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) имкони, кучи етмаслик. *Орага қалин масаласи тушди-ю, қўли боғланди.* «Шарқ юлдузи».

БОҒЛАШМОҚ Боғламоқ 1-9, **11**, **12** фл. бирг. н. *Шундан сўнг уларни [отларини] серкўкат ерга боғлашиб, то таом пишгунича, отларнинг ёнида ўтиришди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Улар Исломхўжанинг қўлларини қайириб боғлашди.* С. Сиёев, Аваз.

Бас боғлашмоқ *қ.* **бас** II.

БОҒЛАҒИЧ: кўз боғлағич *с. т. эск.* Кўз боғловчи, фокусчи.

БОҒЛИ I Боғи, боғчаси бўлган, боғ-роғли. *..беш ҳўкиздан бир қўшини, боғли ерларининг ярмини ўғлига ажратса, унинг юки анча камаяди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қирқ кеча, қирқ кундуз йўл юриб, бир боғли ерга етди.* «Баҳром ва Гуландом».

БОҒЛИ II **1** Боғланадиган, боғичи бўлган. *Боғли тўн.*

2 *айн.* **боғлиқ.** *[Элмурод] Ўзининг кичкина бир қишлоқда олиб бораётган иши.. амалга оширилаётган буюк план билан боғлиқ эканини фаҳмлагач, бениҳоя фахрланди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Қўли (*ёки* **қўлу оёғи) боғли** Эрксиз, қарам, асир. *Токайлар биз юрамиз Қўлу оёғ боғли?* Ҳамза. **Кўзи боғли** Хат танимайдиган, саводсиз. *Буни қарангки, бутун бобокалони билан бу дунёга икки кўзи боғли келиб, боғли кетган чорвачи қашшоқнинг боласи — дўхтир!* С. Анорбоев, Оқсой.

БОҒЛИҚ I **1** Боғлаб қўйилган, боғланган, боғлоғлик. *Боғлиқ от. Ҳунарсизнинг қўли боғлиқ.* Мақол. ▬ *Раззоқ буқачининг ити ёввойи жийдага оёғидан боғлиқ турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

Боши боғлиқ Унаштириб қўйилган. *..баъзи йигитлар Норбувига одам қўйишди. Бироқ Норбуви уларнинг ҳаммасига ҳам бир хил — икки оғиз сўз билан жавоб қайтарарди: Бошим боғлиқ.* Ҳ. Шамс, Душман. *Гулноз Йўлдошга унашилди, энди боши боғлиқ.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Бирор жиҳатдан, мас., тобелик ёки алоқадорлик муносабати билан узвий равишда боғланган; алоқадор. *Тегирмоннинг айланиши юкига боғлиқ.* Мақол. ▬ *Ҳар бир нарсадан катта хулосалар чиқариш шоирнинг ақл уфқи кенглигига боғлиқ.* Шукрулло, Сайланма. *Умрнинг дарозлиги ҳам наслу насабга боғлиқдир.* «Шарқ юлдузи».

БОҒЛИҚ II *махс.* Арава ғилдирагининг тўғин учларини бириктириб тутиб турадиган қўшалоқ кегайи.

БОҒЛИҚ III *шв.* Шох-шабба, беда, буғдой, шоли каби чочиқ нарсаларни йиғиб боғлаш учун ўша нарсаларнинг ўзидан ёки новда, похол кабилардан эшилган боғ; белбоғ.

БОҒЛИҚЛИК Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқада бўлишлиги; алоқадорлик. *Ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги.* ▬ *Кўриб турибсизки, ҳар иккала хат ўртасида мантиқий боғлиқлик бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БОҒЛОВ *тиб.* Синган, чиққан, жароҳатланган, лат еган аъзоларни ифлосланиш ва б. таъсирлардан сақлаш, шунингдек, гавданинг бирор қисмини қимирламайдиган қилиб қўйиш учун қўлланадиган восита. *Гипс боғлов. Боғлов материаллари.* ▬ *Боғ-*

ловлар қаттиқ ва юмшоқ ҳамда оддий ва мураккаб бўлади. «ЎзМЭ».

БОҒЛОВЧИ 1 Боғламоқ 1-9, 11, 12 фл. сфдш. *Беда боғловчи. Боғловчи звено. Боғловчи модда.* ▬ *Бетон таркибидаги цемент боғловчи модда дейилиб, қум, эланган шағал ва чақиртош эса тўлдиргичлар деб аталади.* А. Асқаров, Бетончилар учун эсдалик.

2 *тлш.* Гап бўлакларини ёки гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз. *Уюшиқ бўлаклар орасига вергул ёки* **ва, ҳам, ҳамда** *сингари боғловчилардан бири қўйилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

БОҒЛОВЧИСИЗ *тлш.* Боғловчи сўзлар ёрдамисиз, таркибида боғловчи сўз бўлмаган. *Ўзаро боғловчисиз ёки боғловчи вазифасидаги сўзларсиз боғланган содда гаплардан тузилган қўшма гап боғловчисиз қўшма гап деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиги».

БОҒЛОҒЛИК Боғлаб қўйилган, боғланган, боғлиқ. *Боғлоғлик от.* ▬ *Чайлага боғлоғлик турган қора от бизни кўриб кишнади.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Отамурод операция столида қўл-оёғи маҳкам боғлоғлик ётибди.* М. Мансуров, Ёмби. *..унинг [Жаннатнинг] отаси билан боғлоғлик жойим бор, у киши менинг илмий раҳбарим, — деди Умид.* Мирмуҳсин, Умид.

БОҒМА-БОҒ Боғларни кезиб, боғдан боққа. *Кампир из қидириб, боғма-боғ бориб, баланд девор олдида тўхтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БОҒОТ [*ф.* باغات — «боғ» сўзининг кўплиги; боғлар] Боғлар, боғлар билан қопланган ерлар. *Оппоқ тонгдек ҳаётбахш.. бу садо, бу фарёд девор, том, чаман, боғотлар оша таралиб, тун бағрини тилим-тилим қилар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

БОҒ-РОҒ, боғу роғ Мевазор, токзор, гулзор боғлардан иборат майдон, парк ва ш. к. *[Холжон хола:] Отангдан қолган боғроғларни ташлаб, қаёққа борасан, болам?* О. Ёқубов, Пьесалар. *Ойижон! Дадам билан албатта келинг. Бизнинг ўзимиз яратган шаҳарни, боғ-роғларимизни кўринг.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

БОҒЧА 1 Кичкина боғ. *Кучли шамол кўтарилиб, боғчадаги ҳар нарсани тўрт тарафга бука бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳувиллаб қолди мана гавжум боғлар, боғчалар, Яшил элларга томон учиб кетди қушчалар.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 Мактабгача ёшдаги болалар учун белгиланган таълим-тарбия ўчоғи. *Навбатдаги сўз завод боғчасининг мудираси Расуловага тегди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Хадича холам ҳам шу боғчада ишлар экан.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Болалар боғчаси *айн.* **боғча 2.** *Клуб у ёқда турсин, битта болалар боғчаси қуролмайди.* Шукрулло, Сайланма. *Жувон болалар боғчасининг мудираси экан.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БОҒЧАЧИЛИК *айн.* **боғдорчилик.** *Озми-кўпми боғчачилик иши бўлган бошқа одамларни ҳам биламан, боғчачилик уларнинг ишларига халақит бермайди-ку.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БОҒЧИЛИК *айн.* **боғдорчилик.**

БРАДИКАРДИЯ [*юн.* bradys — секин + kardia — юрак] Юрак қисқаришларининг секинлашуви, юракнинг секин, кам уриши. *Томир уриши сонининг ортишига — тахикардия, камайишига — брадикардия дейилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

БРАК [*нем.* Brack — нуқсон, камчилик; яроқсиз мол] Ишлаб чиқаришда яроқсиз деб топилган, давлат андозаларига тўғри келмайдиган, сифатсиз маҳсулот; умуман яроқсиз иш, чиқит нарса. *Брак шиша. Брак мол. Брак қилмоқ. Бракка чиқармоқ.* ▬ *Мастура ўз ишида ҳали бирор марта бракка йўл қўйгани йўқ.* Газетадан. *Таълимдаги брак эса энг хавфли брак эканини унутмаслигимиз керак, ўртоқлар.* Газетадан.

БРАКОВКА [*р.* — бракка чиқариш**]** Ишлаб чиқариш корхоналарида: сифатли ва брак маҳсулотларни бир-биридан ажратиш, саралаш.

БРАКОНЬЕРЛИК [*фр.* brakonnier — ит билан ов қилувчи] Ноқонуний ов — ёввойи ҳайвонларни ман қилинган жойда ва даврларда ёки ман қилинган қуроллар билан, муайян рухсатсиз овлаш ёки йўқ қилиш.

БРАКЧИ Ишни сифатсиз бажарган, яроқсиз (брак) маҳсулот ишлаб чиқарган ишчи. *Корхона бракчилари юборган 80 дона қимматбаҳо камзул ўтган йилнинг декабрь ойидан буён ўтмас мато бўлиб ётибди.* Газетадан.

БРАНДСПОЙТ [*голл.* brandspuit — ўт ўчириш насоси] Ўт ўчиришда, боғдорчиликда, кема ва паровозларда ишлатиладиган суюқлик пурковчи мослама, асбоб. *Қатор*

брандспойтлар оёғим остида сув сочиб, ерни совитади, бошимда соябон бўлиб кузатиб боради.. П. Қодиров, Қадрим. *Ўт ўчирувчилар дарҳол насослари билан брандспойтларини ишга солиб, оловга ҳужум қилиб кўрдилар.* П. Қодиров, Эрк.

БРАСЛЕТ [*фр.* bracelet < bras – қўл] *айн.* **билагузук.** *Унинг бир қўлига кичкина қўл соат кумуш браслет билан осиб қўйилган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

БРАСС [*фр.* brasse < bras – қўл] *спрт.* Иккала қўл (сувдан чиқармай) ва оёқни бир маромда симметрик ҳаракатлантириб, кўкрак билан сузиш усули.

БРАУНИНГ [америкалик конструктор Ж. Браунинг (Browning) номидан] Автоматик тўппонча ёки пулемётнинг бир тури. *Уддасидан чиқолмасам аҳдимнинг, унда – Браунингни қўлимга бер қоп-қора тунда.* У. Носир, Юрак.

БРАҲМАН, **бараҳман** Қадимги ва ҳозирги Ҳиндистонда олий табақа – кастага мансуб киши; қадимда коҳинлик вазифасини бажариб, қурбонлик маросимларига раҳбарлик қилган шахс. *Бараҳманлар довул қоқиб, Фатво берди имомлар.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

БРАҲМАНИЗМ, **бараҳманлик** [*санск.* ҳиндуизмдаги уч олий маъбуд (худо)дан бири – Браҳма номидан] Табиий мавжудотларни илоҳийлаштирувчи қадимги ҳинд дини. *Браҳманизмда илгариги тотемистик тасаввурларнинг қолдиғи сифатида ҳайвонлар (сигирлар, маймунлар)ни, айрим ўсимликларни ва бошқаларни илоҳийлаштириш мавжуд.* «ЎзМЭ».

БРАҲМАНЗОДА, **бараҳманзода** Браҳман фарзанди, браҳманлар авлодига мансуб шахс. *Ул бараҳманзода ҳар дам барқдек ўйнаб кулар, Йиғлатиб, кўз ёшими абри баҳорон айлагач.* Фурқат.

БРЕЗЕНТ [*голл.* presenning < *лот.* praecingere – ўрамоқ] **1** *от.* Зиғир толасидан ёки зиғир толаси билан пахта ипидан тўқиладиган, сув ўтказмайдиган қалин, қўпол мато. *Ўрмон четига брезентдан чодир-палаткалар тикланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *сфт.* Брезентдан тайёрланган. *Брезент этик. Брезент туфли. Брезент носилка.* ▬ *Қутбиддин брезент этигини тапиллатиб ерга уриб, чангини туширди.* С. Кароматов, Олтин қум. *..бошига эски қулоқчин, эгнига брезент ёмғирпўш кийган жиккаккина чол югуриб чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БРИГАДА [*фр.* brigade < *итал.* brigata – отряд, одамлар гуруҳи, қўшин] **1** Бир неча полк, батальон ёки дивизиondан ва махсус қўшинлар бўлинмаларидан, денгиз флотида эса бир неча турдаги ҳарбий кемалардан иборат ҳарбий-тактик қўшилма. *Танкчилар бригадаси. Бригада қўмондони.* ▬ *Бригаданинг жангчилари кўтаринки руҳ билан ҳужумга ўтди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Меҳнатнинг муайян бир турини биргаликда бажариш учун тузилган ва иш натижаси учун умумий жавобгар бўлган жамоа, меҳнатчилар гуруҳи. *Пахтачилик бригадаси. Оилавий бригада. Бинокорлик бригадаси.* ▬ *Тўқайда ишлагани хилланган одамлардан махсус бригадалар тузилди ва бу бригадаларнинг ҳар бирига биттадан гусеницали трактор берилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Раиснинг машинаси.. сабзавотчилик бригадаси томон бурилиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 *с. т.* Бригада бошлиғи; бригадир. *Кимсаной бўлганда, ҳозир бригада бўлар эди. Ғайратли, ориятли жувон эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БРИГАДАДОШ Бир бригадада ишловчи. *..ерни созлашнинг бирдан-бир йўли – яхоб. Бу фикрни Мамасоли дастлаб бригададошларига айтди, фикрлашди.* Газетадан.

БРИГАДИР [*фр.* brigadier – бригада бошлиғи] Ишлаб чиқариш, далачилик бригадасининг бошлиғи. *Ўрта мактабни тугатгач, Холчучук бир йил звено бошлиғи бўлди, иккинчи йилга ўтиб эса бригадир бўлиб олди.* «Саодат».

БРИГАДИРЛИК Бригадир лавозимида ишлашлик, бригадир бўлишлик. *Бригадирлик қилмоқ. Бригадирликка сайламоқ.* ▬ *Сенларга ўзим бригадирлик қиламан.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бўтабой.. Болтабойни бригадирликдан бекор қилмоқчи эканини айтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БРИЗ [*фр.* brise – шабада] Денгизлар, катта кўллар, баъзан йирик дарёлар соҳилида эсадиган, кеча-кундузда даврий ўзгариб турадиган шамол, шабада. *Денгизлар қирғоғида эсадиган шамол бриз деб аталади.* «География».

БРИКЕТ [*фр.* briquette – ғиштча] Ғишт шаклида прессланган нарса. *Кунжара бри-*

кети. Кўмир брикети. ▬ *Оддий табиий маҳсулот махсус идишларда прессланиб, брикетлар ҳолига келтирилади.* Газетадан.

БРИКЕТЛАМОҚ Брикет ҳолига, шаклига келтирмоқ. *Торфни брикетламоқ. Брикетлаш фабрикаси.* ▬ *Шарғун кўмирини брикетлаш технологияси ишлаб чиқилди.* Газетадан.

БРИЛЛИАНТ, брильянт [*фр.* brillant – ялтироқ] Тарашланган ва сайқал берилган олмос. *Бриллиант кўзли узук.* ▬ *Рисолатнинг қулоғида бриллианти данакдек келадиган зирак ялтирарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тўй куни эри совға қилган бриллиант кўзли узугини бармоғидан чиқазди.* С. Аҳмад, Уфқ.

БРИНЗА [*рум.* brinza – пишлоқ] Асосан қўй сутидан, шунингдек, сигир, эчки сутидан ёки уларнинг аралашмасидан тайёрланган шўртанг пишлоқ. *Аҳолининг ёғ, қатиқ, бринза, сузма каби озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини қондиришда анчагина ютуқларга эришаётирмиз.* Газетадан.

БРИОЛОГ *бот.* Йўсинларни ўрганувчи мутахассис, йўсиншунос.

БРИОЛОГИЯ *бот.* [*юн.* bryon – йўсин, мох + logos – таълимот] Ботаниканинг йўсинлар, мохларни ўрганувчи бўлими. *Бриология торф ҳосил бўлиши, йўсинлар ўсган ерларда аста-секин тупроқ ҳосил бўлиши каби.. жараёнларни ўрганади.* «ЎзМЭ».

БРИТТ(ЛАР) Милоддан аввалги 8-аср бошидан милодий 5-асргача Британиянинг асосий аҳолиси ҳисобланган қадимги кельт қабиласи.

БРИФИНГ [*ингл.* briefing – йўл-йўриқ < brief – қисқа; қисқача хулоса] Расмий шахсларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан расмий нуқтаи назар билдириш ёки расмий хулосаларни қисқача баён этиш мақсадидаги учрашуви.

БРИЧКА [укр. *бричка* < пол. *bryczka, bryka* < *нем. Birutsche* – усти очиқ енгил арава] Тўрт ғилдиракли узун арава. *Ўрмонда тўртта бричка турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..устига бочка юкланган бричкалар узун йўлдан кетма-кет ўтиб турарди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

БРОЙЛЕР [*ингл.* broiler – гўштга боқиладиган жўжа < broil – ўтда қовуриш] Тез етиладиган ва вазни 1,4-1,6 кг бўлганда сўйиладиган гўштдор жўжа. *Бройлер фабрикаси.* ▬ *Товуқ дим-дим тайёрлаш учун семизроқ бройлердан танлаб оласиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Бройлер гўштидан парҳез таомлар тайёрланади.* «ЎзМЭ».

БРОКЕР [*ингл.* broker – ўртада туриб воситачилик қилувчи, даллол, маклер] Товар, валюта, савдо биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма.

БРОМ [*юн.* bromos – қўланса, сассиқ ҳид] **1** Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб, ёқимсиз, қўланса ҳидли, қизғиш-қўнғир, суюқ кимёвий элемент. *Минерал сувларнинг шифобахшлиги.. уларнинг таркибида киши организми учун зарур бўлган йод, бром, бор, литий, барий, стронций каби моддалар бўлишидир.* «Фан ва турмуш».

2 Таркиби шу элемент бирикмаларидан иборат бўлган дори. *Бром ичмоқ.*

БРОНЕАВТОМОБИЛЬ [*р.* – зирҳли автомобил] Бронланган, зирҳ билан қопланган ҳарбий автомобиль. *Қуроллар бронеавтомобилнинг айланадиган зирҳли минорасига ўрнатилади.* «ЎзМЭ».

БРОНЕВИК *айн.* **бронеавтомобиль.**

БРОНЕМАШИНА [*р.* – зирҳли машина] Зирҳли ҳарбий машина *қ.* **бронеавтомобиль, бронетранспортёр.** *Орадан кўп ўтмай, бронемашина ҳимоясида фашистлар шиддат билан бостириб кела бошлади.* А. Раҳмат, Фронт йўлларида.

БРОНЕНОСЕЦ [*р.* – зирҳли кема**]** 19-аср охири ва 20-аср бошларида пайдо бўлган, зирҳ билан қопланган улкан ҳарбий кема.

БРОНЕПОЕЗД [*р.* – зирҳли поезд] Паровоз ва платформалари зирҳ билан қопланган ҳарбий поезд. *Фашистлар.. бутун Европа шаҳарларини бронепоездларда, танкларда, машиналарда саёҳатдагидек кезиб ўтди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БРОНЕТРАНСПОРТЁР Моторлаштирилган ўқчи қисмларни ташиш ва оғир қурол-яроғларни судрашда, разведка ишларида қўлланадиган зирҳли ҳарбий машина. *Кундузи соат тўртларда немисларнинг учта бронетранспортёри пайдо бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БРОНЗА, биринж [*фр.* bronze < *ф.* برنج – биринж] **1** Миснинг қалай, алюминий, кремний, бериллий, қўрғошин элементлари билан қотишмаси. *Қалайли бронза. Бронза ишлаб чиқариш.* ▬ *Бронзадан ясалган ҳайкал*

эрталабки қуёш нурларида ярақлаб кўзга ташланади. Газетадан.

2 Шу қотишмадан ясалган (меъморчилик асари). *Ботаётган қуёш нурида узоқдан бир нима олтиндай чарақлади. Бу ҳайкал эди. Бронза бюст.* А. Мухтор, Чинор.

Бронза даври (*ёки* **асри)** Милоддан аввалги 3-1-мингйилликда ҳали темир маълум бўлмаган, қурол ва уй-рўзғор буюмлари бронзадан ясалган давр. *Сопол буюмлар тайёрлаш, хусусан, бронза даврида анча ривожланганди.* «Фан ва турмуш».

БРОНЗАЛАМОҚ Металл буюмлар сиртини бронза билан қопламоқ, бронза югуртириб безамоқ.

БРОНЛАМОҚ I Бронь, зирҳ билан қопламоқ, зирҳламоқ.

БРОНЛАМОҚ II Бирор кимса ёки нарса учун атаб, банд қилиб қўймоқ. *Вагонда иккита ўринни бронламоқ.*

БРОНЛИ Бронь, зирҳ билан қопланган, бронланган; зирҳли. *Бронли автомобиль.*

БРОНТЕШАР Брон (зирҳ)ни тешиб ўтадиган қурол тури. *Бронтешар тўп.* ▬ *Бронтешарлар нишонга олиб, энди ўқ узмоқчи бўлган пайтда, танк остида бирин-кетин учта граната портлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қулай бир позиция топиб тўхтаган танк аланга тубига бронтешардан ўқ уза бошлади.* П. Қодиров, Эрк.

БРОНХ, бронхлар [*юн.* bronchos – томоқ; кекирдак, трахея] Кекирдакнинг ҳаво ўтадиган найсимон тармоқлари, нафас йўллари. *Кекирдак (трахея) 4–5-кўкрак умуртқаси қаршисида ўнг ва чап бронхларга бўлинади.* «ЎзМЭ».

БРОНХИТ *тиб.* Бронхлар (асосан, шиллиқ пардалари)нинг яллиғланишидан иборат нафас йўллари касаллиги. *Биз тез-тез шамоллаб турамиз. Бу касаллик, айниқса, кузда хуруж қилиб, тумов, бронхит, ангина шаклида юз беради.* Газетадан.

БРОНХОГРАФИЯ [бронх + *юн.* grapho – ёзаман] *тиб.* Трахея ва бронхларни рентгенографик текшириш усули.

БРОНХОСКОПИЯ [бронх + *юн.* skopeo – кўраман, текшираман] *тиб.* Трахея ва бронхларни махсус асбоб [бронхоскоп] ёрдамида кўриб текшириш усули.

БРОНЬ I [*р.* < *нем.* Brunja – совут, қоплама] Ҳарбий машиналарнинг ўқ ўтмайдиган қалин пўлат ниқоби, қопламаси; зирҳ. *У отган ўқ танк бронига тегиб, нўхатдек уқаланиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БРОНЬ II [*нем.*] Махсус ажратилган ёки имтиёз берилган нарсалардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат. *Билетни бронь қилмоқ.* ▬ *Ие, айтгандай, суюнчи беринг, хола, бронь топдим, урушга бормайдиган бўлдим!* Уйғун, Асарлар. *Пошшахоннинг эри заводга керакли одам бўлгани учун икки йилча бронь билан юрди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БРОШЮРА [*фр.* brochure < brocher – тикмоқ] *айн.* **рисола.** *Мамлакатда ҳар куни 190 номда 3 миллион нусха китоб ва брошюра чиқарилмоқда.* Газетадан. *Бу брошюрада.. васиятнома, ваколатномаларни қай тартибда ёзиш лозимлиги кўрсатилган.* Газетадан.

БРУС [*р.* < қадимги «бреснути» фл. – қириш, ўткирлаш; қириб артиш] **1** *тех.* Чорқирра ёки бошқа бирор шаклдаги узун металл, ёғоч ва ш.к. таёқча, ходача.

2 *спрт.* Тўрт устунга параллел горизонтал ҳолда маҳкамланган иккита ходача кўринишидаги гимнастика асбоби. *Тошкент тўқимачилик институти гимнастика секциясининг аъзоси брусда машқ қилаётир.* Газетадан.

БРУТТО [*итал.* brutto – қўпол; соф эмас] **1** Товарнинг идиши, ўрови билан биргаликдаги оғирлиги. *зид.* **нетто**.

2 Сарф-харажатлар чегирилмаган умумий, ялпи даромад.

БРУЦЕЛЛЁЗ [бруцелла микробини кашф этган инглиз врачи Д. Брюс (Bruce) номидан] *тиб.* Уй ҳайвонларида бўладиган ва уларнинг сути, гўшти, қони орқали одамга ҳам ўтадиган оғир юқумли касаллик, қора оқсоқ. *Бу йил тоғдан битта йилқичи, учта чўпон бруцеллёз билан оғриб тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

БУ I (*ж. к.* **бунга**, *ў.-п. к.* **бунда**, *ч. к.* **бундан**) *кўрс. олм.* **1** Сўзловчига яқин, унинг кўз ўнгидаги, олдидаги, ёнидаги ёки қўлидаги нарсани, кимсани билдириб келади ёки ўшанга ишора қилади. *Бу киши – бизнинг ўқитувчимиз.* ▬ *Мен учун энди бу жаҳонда ёлғиз сиз борсиз, холос!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бу ният унинг хотини Собирахонга жуда маъқул бўлди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. -*Сен ўғлимсан, – Йўлчига меҳр билан тикилди чол, – бу ожиза – қизим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қарама-қарши икки нарсадан бирини ёки бирор томонни кўрсатиш учун хизмат қилади. *Кўчанинг бу бетидаги уй. Дарёнинг у бетидан бу бетига сузиб ўтмоқ.* ▬ *Душман.. ўқ еган тўнғиздай, ўзини у ёқдан бу ёққа урар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *У ёқни қарадик, бу ёқни қарадик — йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Чоғиштириладиган икки нарса, кимса, воқеа, ҳодиса ва ш. к. дан бирини кўрсатиш учун хизмат қилади. *У бошқа, бу бошқа. Ундан бу яхши.* ▬ *Бировга у деди, бировга бу деди.. Хуллас, йўнма шеърини бостиришга муяссар бўлди.* «Муштум».

4 Сўз бораётган пайтга ёки унга яқин фурсатга ишора қилади. *Бу кунларда Бўтабой.. бутун рўзғор ўзига қолган ёш йигитчадай бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу кеча Шоқосим жуда хурсанд эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу йил ёғинсочин кўп бўлиб, ер-кўк чамандай яшнаб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Бу ўртада 1) яқин атрофда. *Бу ўртада магазин йўқми?;* 2) бирор иш ёки вақт давомида. *Энди сотишга ҳеч нарсам қолмаган эди. Бу ўртада дадам қазо қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бунинг устига** Устига устак, бори етмагандек. *-Раҳматли эрим мардикор эди, — деди кампир, — ёзда топгани қишга етмас эди. Бунинг устига дардга чалиниб, эртароқ ишдан чиқиб қолди. Уни боқдим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Сиздан угина, биздан бугина** Муомалага яраша муомала қилиш ёки бирор нарса эвазига бошқа нарса бериш керак бўлганда қўлланадиган ибора. **У ёқдан кириб, бу ёқдан чиқмоқ** Ишни наридан-бери, чалакам-чатти бажармоқ, чала-чулпа қилиб кетмоқ. **Ундан-бундан** 1) ҳар кимдан; ҳар нарсадан. *Ундан-бундан сўраб билмоқ;* 2) ҳар тўғрида. *Ундан-бундан гаплашиб ўтирмоқ.* **Уни қўй, буни қўй** Бошқасини қўятур. *Уни қўй, буни қўй, қачон йўлга чиқамиз?* **У эмас, бу эмас** *крш с.* Авваламбор; иш, гап, масала бутунлай бошқа ёқда. *У эмас, бу эмас, айб ўзингда.*

БУ II *юкл.* Гапдаги маънони кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. *Бу дейман, ишлар йирик экан-да!*

БУБЛИК [*укр.* буба — шиш, бўртиқ; сув кўпиги] Тешик кулча. *Кеннойилар бир кўришда қаймоққина, ўзлари ҳам бублик нондек оппоққина.* Мирмуҳсин, Сатанг.

БУВА **1** *с. т.* Бобо. *Буваси иш қилса, Нигора кўмаклашар, «Оҳ, оҳ, эрмаккинам, дастёргинам!» — деб хурсанд бўларди буваси.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бувамнинг сўзлари оҳиста қайнаб турган зилол булоқни эслатарди.* «Саодат».

2 Гап кетаётган, тилга олинаётган шахснинг ёши катта, кекса эканлигини, унга ҳурмат, яқинликни ифодалайди. *Раис бува билан турадиган уйларингизни кўриб келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Боғбон бува билан Зарифа опа Муродни бағирларига босиб ўпишди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Очил бува бугун чинор билан хайрлашмоқда.* А. Мухтор, Асарлар.

БУВАДЕҲҚОН *айн.* **бободеҳқон**. *Районга маълумотни юборибоқ ўчоққа олов ёқтирибсиз-да, Фармонқул ака, бувадеҳқонники бехато чиқаверади, деб ўйлагандирсиз-да.* С. Маҳкамов, Шогирд.

БУВАК *шв.* Янги туғилган бола, чақалоқ. *Бувак, қорни тўқ бўлса-да, аллани соғинади.* С. Сиёев, Аваз. *-Нима бўлди, айтсангиз-чи? — деди Салтонбу, кўкрагига зулукдек ёпишиб олиб эмиб ётган ориқ, заҳил, оёқлари ингичка, қорни катта бувагини тиззасига ўтқазиб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БУВАКИ Узумнинг маҳаллий, винобоп нави. *Ишкомларда узумлар мушт-мушт бўлиб ётибди.. қирмиска ёки бувакими, тоифи ё бўлмаса чаросми.* Газетадан.

БУВИ **1** Отанинг ёки онанинг онаси. *Мунгли кўзлари меҳрга тўла бу нозик кампир Шукуровга марҳум бувисини эслатди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Бола бувисига талпинди.* «Саодат».

2 *шв.* Она, ойи. *-Йиғламанг, буви, худонинг иродаси, — деди Ғуломжон, бундай гаплар онасининг қалбига малҳам бўлмаслигини билса ҳам.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Тилга олинаётган киши исмидан кейин келиб, шахснинг кексалигини, унга яқинлик, ҳурматни ифодалайди. *Гулсум опа идорадан чиқиб, тўғри Моҳира бувиникига кетди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Нисо буви, эри ўлиб, иккита ёш қизи билан қолди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БУВИШ *с. т.* Бибиш. *Албатта оламан Нигор бувишни.* «Нигор ва Замон». *Биз бўламиз Маликанинг канизи, Келсин, деб чорлайди бувишим сизни.* «Маликаи айёр».

БУВРА *шв. айн.* **буғро.** *Икки қирғоқ икки қоя сингари тик, Сой гувиллар маст бувра-*

дай сочиб кўпик. Миртемир, Асарлар. *Туянинг бувраси яхши, Сўзнинг тўғриси яхши.* «Ақл ақлдан қувват олади».

БУВУЛДУРУҚ *шв. айн.* **булдуруқ** I. *Дарахт шохларида қуюқ бувулдуруқ.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

БУГУН [*асли* **бу** + **кун**] **1** *рвш.* Сўз бораётган пайтда кечирилаётган ёки кечирилган кун, кеча-кундуз. *Мен сенга муносиб эмаслигимни бугун билдим.* С. Аҳмад, Уфқ. *Азизхоннинг бугунига, эртасига Лутфинисо жуда-жуда зарур эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўтган куни ҳам, кеча ҳам, бугун ҳам шундай қилмоқчи бўлди-ю, бари бир кўнгли чопмади.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

2 *от взф.* Ҳозирги пайт, ҳозирги кун. *Бугунимиз жуда яхши, эртамиз бундам ҳам яхши бўлади. Бугунни ўйлама, эртани ўйла.* Мақол.

Бугун эмас, эрта *ёки* **бугун бўлмаса, эрта(га***)* Яқин фурсатда, тез орада, ҳадемай. *Мана шуларни [душман тайёргарлигини] назарга олганда, бугун бўлмаса, эртага жуда даҳшатли жанг бошланиши муқаррар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

БУГУНГИ 1 Сўз бораётган куни содир бўлган, юз берган, юзага келган ёки шу куни бўладиган. *Бугунги газета. Бугунги машғулот. Бугунги ишни эртага қўйма.* Мақол. ▬ *Бугунги газетада унинг Азизхон тўғрисида каттакон мақоласи босилди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шу бугунги мажлисда тилини қисиб ўтира қолса бўларди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Ҳозирги пайтдаги, ҳозирги кундаги, ҳозирги. *Бугунги вазифалар.* ▬ *Ўтмишимиздан, тарихдан бугунги авлодни хабардор қила оладиган спектакллар кам.* «Саодат».

БУГУНЧА *рвш.* Бугун, шу бугун, бир кунга, бир кунчалик. *Заргаров бугунча кулбасида тунашга рози бўлди.* А. Мухтор, Асарлар. *Уста, бугунча ишни қўйинг, уйга боринг.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. -*Оғриқ туяга бугунча дам бериб, кейин келадиган карвонларга қўшилиб кетиш учун булоқ бўйида қолдик, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

БУГУН-ЭРТА *рвш.* Бугун ёки эртага, бугун ёки эрта ичида; яқин фурсатда, тез орада. *Бугун-эрта эшикдан кириб келса-чи?!!* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳужжатларни бугун-эрта расмийлаштириб, душанбаданоқ ишга киришинг.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Отабек ёш, ёшлар муҳаббати — учар қуш, балки бугун-эрта унутиб ҳам юборар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БУД [*ф.* بود — мавжудлик; бутун мол-мулк] Бор нарсаси, бутун мол-мулки. *Бор будини тортиб олиб, кўчага ҳайдаб чиқарди.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар. *Шу даврада омадсизлардан, яъни ютқизганлардан бири — Намоз банги деган бор будидан ажраган.* «Муштум».

БУДДА [*санск.* Буддҳа — хотиржам, нурланган]: **будда дини** Милоддан аввалги 6-аср охирларида Ҳиндистонда юзага келган ва Ҳиндистон, Хитой, Япония ва баъзи бошқа шарқ мамлакатларида кенг тарқалган динлардан бири, буддизм. *Бу йўллар кўп қадим йўллардир, Конфуций, шомоний, ислом ва будда..* Ғ. Ғулом. *Бизнинг эрамиздан икки аср бурун будда роҳиблари қояларни ўйиб, ибодатхона ва монастирлар қурганлар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

БУДДАПАРАСТЛИК Будда динига эътиқод қилиш, буддага сиғиниш. *Бизнинг фикримизча, Навоий бу ўринда буддапарастликни назарда тутади, чунки Будданинг тасвирлари жуда кўп бўлган.* «ЎТА».

БУДДИЗМ, буддавийлик [Будда динининг афсонавий асосчиси Буддҳа номидан] Жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири; будда дини. *Жамиятнинг касталарга бўлиниши тўғрисидаги браҳманизм таълимотига қарши буддизм барча кишилар тенг ҳуқуқли, баробар деб эътироф қилади.* «ЎзМЭ».

БУДИЛЬНИК [*р.* «будить» фл.дан. — «уйғотгич»] Белгилаб қўйилган пайтда жиринглаб, вақт билдирадиган махсус соат. *Лаълихон будильникни соат еттига тўғрилаб буради ва чироқни ўчириб, кўрпа ичига бурканди.* Газетадан. *Будильник Халил акани уйғотиб юборди.* Газетадан.

БУДКА [*қад. р.* < буда — қамиш уйча, кулба] **1** Қоровуллар учун мўлжалланган кичик уйча; кичик қоровулхона. *Шлагбаум биринчи куниёқ йўл устига қуриб битказилди, ёнига будка ўрнатилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Савдо-сотиқ ва б. мақсадларга мўлжалланган уйча; дўкончa. *Кимдир газ будкадан сув олиб келиб ичирди, кимдир аптекадан дори олиб чиқди.* Газетадан. *Раҳим унинг жавобини кутмасданоқ мороженое будкаси томон чопиб кетди.* С. Зуннунова, Кўк

чироқлар. *Саидий будкадан бу журнални олиб, жуда севинди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Аҳмад телефон будкасига яқинлашди ва Იродага телефон қилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Суфлёр будкаси Саҳнада махсус жиҳозланган ва суфлёр ўтирадиган чуқур жой.

БУДКАЧИ *с.т.* Будкада ишловчи савдо ходими. *Будкачи Саидийга шу бугун олинган бир журнални тақдим қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БУД-ШУД [*ф.* بود-شد – бори, бўлгани] Кишининг ихтиёридаги, бисотидаги барча нарсалар, бор-йўқ бойлик. *Менглибой ўн битта қўчқорни боқаман деб, бор буд-шудидан айрилди.* Газетадан. *Сафарнинг нечанчидир куни тўфонда қолиб, бор буд-шудларидан айрилибдилар.* М. Мансуров, Ёмби.

БУЁН *кўм. (ч. к. билан)* Бери; бошлаб. *Янги йилдан буён. Кечадан буён. Бундан буён. Кўпдан буён.* ▬ *Ўзбек халқи қадим-қадимлардан буён ҳашар усулида жуда кўп иншоотлар барпо қилган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Неча йиллардан буён хаёлини банд этган фикр уни амалий ишга бошлади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Лутфинисони дафн қилганларидан буён у, бир дақиқа бўлсин, уни хаёлидан нари кетказмади.* С. Аҳмад, Уфқ.

БУЁҚ I *кўм. (ч. к. билан)* Буён, бери; бошлаб. *Учинчиси шулдирким, бешиккетди бўлгандан буёқ ҳар йили расм-русмлар қилиниб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйипти.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Мени шунча ҳақорат қилиб келганлари етар. Энди бундан буёқ ҳақимни ҳеч кимга бермайман.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Заифа деган нарса эрининг хасми бўлади. Сиз бундан буёқ менинг измимда бўласиз.* К. Яшин, Ҳамза.

БУЁҚ II *(тўғриси* **бу ёқ**.) *қ.* **ёқ.** *Қани, устоз, тупроқни буёққа ташланг.* С. Аҳмад, Уфқ. *Буёғини бизга қўйиб беринг, аралашманг..* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

БУЖ [*фр.* bougie – шам; зонд] Одам организмидаги найсимон аъзолар (сийдик чиқариш канали, қизилўнгач ва б.)ни кенгайтириш ва текшириш учун ишлатиладиган, каучук, металл, пластмасса ва б.дан ясаладиган жарроҳлик асбоби.

БУЖМАЙМОҚ 1 Совуқдан, безгакдан ёки бирор ёқимсиз нарсадан тиришмоқ, жунжикиб букчаймоқ, қунишмоқ. *Совуққа чидамли Йўлчи ҳам, эгни юпун бўлганидан, оёқларининг жонсизланганини, гавдасининг бужмайганини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мирвали, қўли қалтираб, шишани очди. Қуяётганда, димоғига қўланса коньяк ҳиди урилиб, башараси бужмайиб кетди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Тўрда ялпайиб ўтирган совчи хотинларнинг юзи, мени кўриб, бехос лимон тишлагандай бужмайди.* «Ёшлик».

2 Ажин босиб бурушмоқ, тиришмоқ; бурушиб-тиришиб қолмоқ. *[Ёрматнинг] Кўз ёшлари ҳасратдан бужмайган юзларидан ва соқолларидан мўл-мўл оқаверди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кампир.. бужмайган қўллари билан унинг сочларини силай бошлади.* Газетадан. *Куёв яшариш учун токнинг зангидек бужмайган бўйинларини ҳўл сочиқ билан ишқалайдиган бўлди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 Қовжираб, сувсизланиб бурушмоқ, қуруқшамоқ. *Барглар бужмайиб қолибди.* ▬ *Дўрдоқ лаблари узум пўстлоғидек бужмайган.* М. Назаров, Сирли хат. *Шамол қаттиқ эсиб, бужмайган ток баргларини унинг устига олиб келиб сочди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Қирғоқдаги бужмайган, қовжироқ ўтлар дарёдан эпкин сўрагандай.. мўлтирашарди.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

БУЖМАЙТИРМОҚ Бужмаймоқ фл. орт. н. *Эргаш башарасини бужмайтириб, мазах қилди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Алимат, худди тиш оғриғи хуруж қилгандек, башарасини бужмайтирди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

БУЖУН *айн.* **бужғун 1**. *Каттакон бужун остидаги қизил дарвозадан.. чиққан бир мўйсафид қоматини ростлаб, буларга бир қаради-да, югурганича.. кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Кампир ғаш билан бужун таёғини ерга ура бошлади..* Ш. Тошматов, Мазанглар.

БУЖУР 1 Ажин босган, бужмайган, бурушиқ. *Темиртош ҳар вақт кўзини юмганда.. юзлари бужур отасининг чўкич ураётгани кўринарди.* М. Осим, Ўтрор.

2 Бужмайган, бурушиқ юзли одам. *Бужур, кафтини «фонус» қилиб, ичкарига тушди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *-Соли бужур ҳам бир ярим ойлар йўқолиб кетиб, Самад акамдан қаноатланарли бир хабар келтира олмади, – деди Пўлат.* Ғайратий, Ёшлигимсиз.

3 Сирти, кўриниши ғадир-будур, ўйдим-чуқур. *Мирвали ухламаётган экан, бужур*

тутга тирмалашиб, томга чиқди. С. Аҳмад, Жимжитлик. *Вафо аттор ўрнидан енгил туриб, бужур, тирналган маҳси билан шипиллаб, даҳлизга чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БУЖҒУН 1 Қайрағочнинг бир тури, қаттиқ танали дарахт. *Зокир ота белига тешасини қистириб, бужғун ва қуриган ёнғоқ шохларидан ўтин тайёрлашга киришди.* Ғайратий, Ёшлигимиз. *Тош бўлсанг ҳам, ёраман, Чинор бўл ёки бужғун.* Қ. Муҳаммадий.

2 Писта дарахтининг мағиз қилмай бужмайиб қолган меваси (халқ тиббиётида ва бўёқчиликда ишлатилади). *Табиб қўй жигарини ҳам кабоб қилиб, бужғун сепиб енг, деган экан, бир-икки қилибди, лекин дарди шифо топмабди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ўсимликлар танасининг турли қисмларида кўпинча вирус, бактерия, замбуруғ, ҳашаротлар таъсирида ҳосил бўладиган ғурралар. *Бужғун, асосан, писта, қайрағоч каби дарахт баргларида ҳосил бўлади.* «ЎзМЭ». *Баъзан серкўз, бужғун қайрағочларни эгиш жуда қийин бўларди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

Бужғун сўйил Бужғун ёғочидан ясалган, уч томони оғир ва юмалоқ шаклли уруш қуроли; йўғон таёқ. *..эртасига ер остида елкасига уч ботмонлик чўян гурзи, қўлида бужғун сўйил ушлаган барзанги мункарнакир пайдо бўлди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. **Бужғун таёқ** Бужғун ёғочидан ясалган таёқ, ҳасса. *Қўлга олиб бужғун ҳассасини..* А. Мухтор, Асарлар. *Энг олдинда бир нуроний қаландар.. анвои ранг-баранг латталар белига боғланган, қўлида боши қайнаб битган бужғун таёқ..* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БУЗАРЧИ *фольк. айн.* **бузғунчи.** *Йўлни кезган гузарчилар, Тинмай элни кезарчилар, Жўн савдони бузарчилар, Қалпоқ бозори қайсиди?* «Равшан».

БУЗИ [*ф.* بزى – эчки; эчкига мансуб] Эчки терисидан тайёрланган чарм; шевро. *Бир маҳсилик бузи. Бузи маҳси.* ▬ *Буни сотиб, бузи, чарм, ип, сирач, мум сингари косибчилик учун керакли ашёлар олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

БУЗИЛИШ 1 Бирор нарсанинг табиий, соф ҳолатини йўқотиши; емирилиш, парчаланиш. *Ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши ҳам терида пес пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.* Газетадан. *У, уйимнинг бузилишини кўрмай, деган хаёлда орқасини ўгирганча, ивирсиб ўт ёқа бошлади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 *кўчма.* Нотинчлик, парокандалик, издан чиқиш. *Маънавий бузилиш. Ахлоқий бузилиш.* ▬ *Оилада осойишталикнинг бузилишига, ғурбат бошланишига мана шу сабаб бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Издан чиқиш, барбодлик. *Бу масалага икковимизнинг ҳам жинояткорона совуқ қарашимиз орқасида қатор чиришлар, бузилишлар, қўпорилишлар юз бердими?* А. Қаҳҳор, Нутқ. *Ичкилик, безорилик, бузилиш, одобсизлик – ҳаммаси бекорчиликдан келиб чиқади.* А. Мухтор, Чинор.

4 Меъёрий, қоидавий ҳолатлардан четга чиқиш, уларга амал қилмаслик. *Йўл қоидаларининг бузилиши. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши.* ▬ *Адвокат қонуннинг бузилишига қарши курашиш йўлини кўрсатди.* Шукрулло, Сайланма.

БУЗИЛМАС Сира ҳам бузилмайдиган, мустаҳкам. *Ўзбекистон халқларининг бирдамлиги, бузилмас дўстлиги қудратли кучдир.*

БУЗИЛМОҚ 1 Бузмоқ 1-3, **6**, **8-10**, **12** фл. мажҳ. н. *Кўприк бузилди. Ўйинчоқ бузилди. Бедапоя бузилди.* ▬ *Тушдан кейин Мавлуданинг станоги бузилиб қолди.* «Саодат». *Аҳмадали анҳорга яқинлашаётганида, осмонда ини бузилган арилардек тўзиб учаётган қарғаларга кўзи тушди.* «Ёшлик». *Қандолат билан Бердиқулнинг асал ойи тугамаёқ оилада тинчлик бузилди.* «Саодат». *Кечаси билан минг тўлғаниб, тушлари бузилиб, тонг отдирди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

Кўнгли бузилди. *қ.* **кўнгил.** *Тоға Азизхонга қараб туриб, кўнгли бузилиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Ораси бузилди.** *қ.* **ора.** *Бир муддат Мирвали билан оралари бузилиб кетди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. **Тахи бузилмаган** Кийилмаган, тутилмаган, яп-янги (кийим, ўрин-бош ва ш.к. ҳақида). *Тахи бузилмаган шим.* ▬ *Она тахи бузилмаган кўрпачаларни ташлаб, айвонга жой қилди.* О. Ёқубов, Ҳавас.

БУЗИЛУВЧАН Тез бузиладиган, айнийдиган. *Бузилувчан озиқ-овқатлар.*

БУЗМАКОР *кам қўлл. айн.* **бузғунчи.** *Аҳмад сардор.. кўп бузмакор, дилозор, кўп ёмон одам эди.* «Хушкелди».

БУЗМАКОРЛИК *кам қўлл. айн.* **бузғунчилик.** *Бузмакорлик – бошга бало.* Мақол. ▬ *Мен сўйласам, нега қарши келасан, Бузмакорлик қилиб, бунда ўласан.* «Ойсулув».

БУЗМОҚ 1 Парчалаб ёки қўпориб, ағдариб йўқ қилмоқ; ишдан чиқармоқ, яроқсиз ҳолга келтирмоқ; вайрон қилмоқ, емирмоқ. *Деворни бузмоқ. Уйни бузмоқ. Ўйинчоқни бузмоқ. Уй бузганнинг уйи бузилар.* Мақол. *Отнинг ёмони охур бузар.* Мақол. ▬ *..илоннинг ўрдасини бузганингиз чакки бўпти-да, ўғлим.* М. Мансуров, Ёмби. *[Дадавой Хадичага:] Соат меники. Бузадиган ҳам ўзим, тузатадиган ҳам ўзим.* Уйғун, Навбаҳор. *Жайноқ, қулфни бузма, яхшилик кўрмайсан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Ўзгартириб, бошқа мақсадда фойдаланиш учун мосламоқ. *Бедани бузиб, пахта экмоқ. Пальтони бузиб, костюм қилмоқ.* ▬ *Мана, канал битди, мана бу тўқайларни бузиб, янги ер очаётибмиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Уйда бир эски гиламча бор эди, уни бузиб, яна бир хуржун қилиб олар эдим.* Миртемир.

3 Инсоннинг бирон-бир руҳий ҳолатига, осойишталигига зиён келтирмоқ, зарба бермоқ. *Икромжон хотинининг қувончини бузгиси келмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эски турмуш қузғунлари, бир янги турмуш қурган оиланинг турмушини бузмоқ учун қандай ҳийлалар қилгансиз.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

4 Жамоавий қоидаларга, турмуш тарзига хилоф иш қилмоқ, унга риоя (амал) қилмаслик. *Қонунни бузмоқ. Интизомни бузмоқ.* ▬ *Сен, раис, умумий йиғилиш қарорини бузма, ўзбошимчалик қилма, ҳа, ёмон оқибатларга олиб келади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўз аҳдингни бузиб, инкор айлама.* Ҳабибий, Девон.

5 Зарарли таъсир кўрсатиб, ишини, фаолиятини ёмонлаштирмоқ. *Ёғли овқат меъдани бузади.*

6 Мавжуд вазиятни, ҳолатни ўзгартирмоқ, унга халал бермоқ. *Тинчликни бузмоқ. Суҳбатни бузмоқ.* ▬ *Бу жимликни охири Жаннат бузди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Беғам, бееташвиш дўстлар ширин уйқуда эдилар. Элмурод уларнинг уйқусини бузмаслик учун аста каравоти ёнига борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Ҳақиқатдагидан, аслидагидан бошқача қилиб юбормоқ. *Ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ. Сўзни бузиб ёзмоқ. Фикрни бузиб талқин қилмоқ.* ▬ *-Мезбон қани, Тешабай? — деди у, рус тилини немисларга хос бир талаффуз билан бузиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 Уддасидан чиқа олмай, ёмон ёки яроқсиз қилиб қўймоқ. *Ошни бузиб қўйибсиз. Суратни бузиб қўйибсиз.*

9 Инсон ахлоқи, феъл-атворини ёмон томонга ўзгартирмоқ. *Кишининг зари кишини бузар, зарни кўрган — занжирни узар.* Мақол. ▬ *Ҳали эримниям бузяпман денг?* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

10 Ўзаро муносабатларни ёмонлаштирмоқ, чатоқлаштирмоқ. *Яхши ўғил юрт тузар, ёмон ўғил юрт бузар.* Мақол. ▬ *Жаҳл устида уришиб қолган бўлсангиз, эҳтимол, ярашиб қоларсиз. Оилангизни бузманг!* Мирмуҳсин, Умид. *Кимки одамлар ўртасини бузиб юрувчи бўлса, у ҳам мўмин эмасдир.* «Фан ва турмуш».

11 Бокираликдан жудо қилмоқ, номусига тегмоқ. *Аҳмоқ йигит нодонлик қилиб, қизни бузиб қўйибди.*

12 Бирор ҳаракатни, маросимни тўхтатмоқ. *Сен буздинг Нодиршоҳнинг тўйини..* «Юсуф ва Аҳмад».

13 Фойдалана бошламоқ (яхлит ёки янги нарсалардан). *Пулни бузмоқ. Бочкадаги ёғни бузмоқ.*

Гўштни бузмоқ Бутун молнинг гўштини бўлакларга бўлмоқ, бурдаламоқ. **Кўнгилни бузмоқ** 1) кўнглини вайрон қилмоқ, дилини оғритмоқ. *Дилдор ана шундай кўнгилни бузадиган ўйлар билан банд эди.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) бошқа хаёлга келмоқ, умидсизланмоқ. *Умидингни узма, кўнглингни бузма.* Мақол. **Оламни** (*ёки* **дунёни**) **бузмоқ** Атрофни бошга кўтармоқ, ларзага солмоқ. *Ичкарида хотинлар мажлиси: ..биров ёр-ёр ўқиб, тағин биттасининг қувончи ичига сиғмай хохолаб, дунёни бузади..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баъзилар борки, қилар ишининг тайини йўқ, даъвоси оламни бузади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Тахини бузмоқ** Кийилмаган кийим, тутилмаган ўрин-бош ва ш. к. дан фойдалана бошламоқ. **Хаёлни бузмоқ** Хаёлни бўлмоқ, сочмоқ. *Фақат ошхонадан чиқиб келаётган келиннинг саломигина унинг хаёлини бузди.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан. **Ҳусн бузмоқ** Ҳуснига мос тушмай, кўзга ёмон қилиб кўрсатмоқ. *Энди унинг хаёлини банд қилган нарса қишлоқнинг ҳуснини бузиб турган эски гўристонни кўчириш муаммоси эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Маҳаллада, шоир Шукрулло тахта иморат қуриб, кўчамизнинг ҳуснини бузди, унда дид*

йўқ экан-ку, деган гап тарқалибди. Шукрулло, Сайланма.

БУЗОҚ Сигирнинг боласи. *Яхши бузоқ икки онани эмади.* Мақол. *Сигирнинг сутида бузоқнинг ҳақи бор.* Мақол. ▬ *Подадан адашган бузоққа ўхшаб, дуч келган эшикка бошингни тиқаверасанми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Тонг отганда, апил-тапил сигирни соғишга борса, сигири ҳам, бузоқ ҳам йўқ.* «Муштум».

Аммамнинг бузоғи *қ.* **амма. Бузоқнинг югургани сомонхонагача** Қўли қисқа, имконияти чекланган одам югургани, ҳовлиққани билан ҳеч нарса қилолмайди, деган маънода ишлатиладиган мақол. *Қўлингиздан келганини қиласиз, бек, аммо унутмангки, бузоқнинг югургани сомонхонагача.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бузоқнинг югургани сомонхонагача, зирилламаликлар инига кириб кетди. Энди у ковакдан ҳали-вери чиқолмайди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Номаъқул бузоқнинг гўштини ебсиз** Номаъқул айтибсиз, номаъқул (бекор) қилибсиз каби маъноларда ишлатиладиган ибора. *-Номаъқул бузоқнинг гўштини бир едик-да, — дейди Берди татар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БУЗОҚБОШ(И) 1 Тўғри қанотлилар туркумининг қора чигирткасимонлар оиласига мансуб, устки қаноти калта терисимон, остки қаноти узун пардали заракунанда ҳашарот. *Боғни қуритадиган бузоқбоши ҳам қурт, ҳавони тилла қилиб берадиган пилла қурти ҳам қурт.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Ўт-ўланлар орасида яшириниб олган бир бузоқбошигина туни билан чур-чурлаб, тонг оттирди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

БУЗОҚБОҚАР Бузоқларга қаровчи, уларни парвариш қилувчи. *Зуҳранинг ойиси Муаззам Қўзиева сут-товар фермасида бузоқбоқар бўлиб ишлайди.* Газетадан.

БУЗОҚЛАМОҚ Бузоқ туғмоқ, болаламоқ (сигир ҳақида). *Қўйни боқсанг, қўзилар, Молни боқсанг, бузоқлар.* Мақол. ▬ *Болалар қўзилаган қўйларни, бузоқлаган елини катта сигирларни яйловга ҳайдаб, тўда-тўда бўлиб.. лаппак, зувиллоқ ўйнашади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

БУЗОҚЛИК Сигирнинг 6 ойликкача бўлган даври. *..[молларнинг] кўпини бузоқлигидан катта қилиб олганмиз.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Ўзимизнинг жайдари моллар бу касалга бузоқлигидаёқ йўлиқиб, тузалиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

БУЗОҚХОНА Бузоқлар турадиган, боқиладиган оғилхона. *Ҳикмат бузоқларни бузоқхонага томон ҳайдаб борарди.* Газетадан.

БУЗОҚЧИРГ *бот.* Буғдойдошлар оиласига мансуб илдизпояли кўп йиллик ўт.

БУЗРУК [*ф.* بزرگ — бузург, катта, улуғ] **1** *эск. кт.* Катта, улуғ. *Вазири бузрук Исломхўжа катта ишлар бошлаб юборди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *дин.* Азиз, авлиё. *-Бузрукдан сўрайдиган тилакларингиз бор экан-да, — деди уста Олим ва кулди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳазрати Хизир, қирқ чилтон, жами бузруклар чодирнинг ичида ўтирибди.* «Гулнорпари».

3 *ҳазил* Туянинг лақаби.

4 *(***Б** *— катта)* Шашмақом таркибидаги биринчи мақом номи (*қ.* **шашмақом).**

БУЗРУКВОР [*ф.* بزرگوار — улуғ, олижаноб, ҳурматли] *эск. кт.* **1** Улуғ, буюк. *-Умидимиз фақатгина бир бузруквор инсонда, — деди Абдулвоҳид ёстиқдан бош узиб, ингичка белига қўлларини тираб.* Ойбек, Нур қидириб. *Рухсат этинг, бузруквор, ўша муборак омонатни муаззам манзилга етказишга биз ҳам уриниб кўрсак.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Улкан ҳурматга лойиқ, муҳтарам.

Падари бузруквор Улуғ ҳурматга лойиқ, муҳтарам ота. *-Шунча йил таълим берган устозингга қуруқ борасанми? — дедилар падари бузрукворимиз.* С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма. *Эй ота, падари бузруквор, сўздан қайтиш — номарднинг иши.* «Маликаи айёр». *Куни кеча падари бузрукворимиз мени ўз ҳузурларига чақириб, фотиҳа бердилар.* «Муштум».

3 *дин.* Азиз авлиё; мулла. *Эй бувиш, кўнглингизда шундай бўлса, шу ерда бир бузруквор бор.* «Нурали».

БУЗУҚ 1 Бузилиб, яроқсиз ҳолга келган, ишдан чиққан; синган, вайрон бўлган. *Бузуқ арава. Бузуқ машина. Бузуқ кўприк. Уйи бузуқ ўнгалур, ўйи бузуқ ўнгалмас.* Мақол. ▬ *Турдиев бузуқ девордан ўтаётганда, яра қўлини уриб олди.* Шуҳрат, Шинели йиллар.

2 Айниган, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган, сифатсиз; бемаза. *Бузуқ сирка.* ▬ *Сизга бузуқ ҳавони тозалаб берсак. Табиатдек покиза бўлсинлар десак.* З. Диёр. *Сув сўраган экансиз, аянг айлансин. Бизнинг сувларимиз жудаям бузуқ бир турли.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Қоидага тўғри келмайдиган, нотўғри. [*Абдишукур*] *Шоирлик истеъдодидан тамом*

маҳрум бўлишига қарамай.. вазни бузуқ, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ахлоқи ёмон, суюқ; нияти ёмон. *Асли қора оқармас, Асли бузуқ тузалмас.* Мақол. *Ёлғон, ёлғон, Нури ўзи бузуқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шерназарбой бузуқ одам чиқди, у кўрнамак. Мени сиздан ажратмоқчи у аблаҳ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 *кўчма* Ёмон, ўринсиз. *Йиғлама, ёринг топилур. Кўп айлама бузуқ гумон.* «Тоҳир ва Зуҳра».

6 *кўчма* Айниган, булутли, ёғин-сочинли. *Ҳаво бир кун тузук бўлса, уч кун бузуқ бўлиб турди.* Н. Сафаров, Наврўз. *Осмонда на ой ва на юлдуз кўринарди – ҳаво бузуқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Авзойи бузуқ *қ.* **авзо 2. Боши бузуқ** *айн.* **бузуқбош**. *Амир қозига буйруқ юбориб, боши бузуқ оёқлангларни ва эски қулларнинг авлодини тутиб қама, деган эмиш.* С. Айний, Қуллар. *Аваз Ўтар ўғлининг дўкони боши бузуқлар жойи деб эълон қилинур!* С. Сиёев, Аваз. **Кайфи бузуқ** *айн.* **авзойи бузуқ.** *Бир оздан сўнг Қосимбек кирди. Унинг кайфи бузуқ эди.* С. Сиёев, Аваз. **Нафси бузуқ** *қ.* **нафс 1. Нияти бузуқ** *ёки* **бузуқ ният** Бировга яхшилик тиламайдиган, мақсади ёмонлик қилиш бўлган одам ҳақида айтилади. *Бузуқ ният рақибларни ҳама бахти қаро дерлар.* Ҳабибий, Девон. **Ораси бузуқ** Ўзаро муносабати ёмон, муносабатлари бузилган. *Кабиров билан Ҳомидхўжанинг ораси бузуқ эди.* С. Аҳмад, Порахўрнинг ўлими. *Домла Бурҳон махдумнинг бўлса, шоғовул домла билан оралари бузуқ..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Оғзи бузуқ** Одобсиз сўзлар айтадиган; сўкинаверадиган, беадаб. *Ҳой оғзи бузуқ, мени чуқурдан олиб чиққанинг рост! Лекин буни ҳаммага кўрсата берма.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. **Суяги бузуқ** Суяклари йўғон; беўхшов гавдали. *Ярим ҳарбийча кийинган, суяги бузуқ бу йигитнинг ўзи армияда артиллерия наводкачиси бўлган экан.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Суяги бузуқ бу одам шу топда тошдан йўнилган беўхшов ҳайкалга ўхшарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

БУЗУҚБОШ Бузғунчи, орага рахна солувчи; итоатсиз, бебош; исёнчи. *Амирнинг силлиқ мийиқлари асабий пирпиради: -Бузуқбошларнинг давоси ёлғиз қилич!* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Жайноқ деган ким ўзи? Бир бузуқбош, тақсир.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

БУЗУҚ-ЁРИҚ Бузилиб-ёрилиб кетган, у ер-бу ери бузилган, ёрилган. *Бузуқ-ёриқ уй.* ▬ *Кўчанинг икки томони бузуқ-ёриқ пахса девор, фақат кўчанинг бошида кичкина бир эшик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Акбар тўхтаб, Қамарга қишлоқ чеккасидаги катта чинорни, унинг ёнидаги бузуқ-ёриқ девори қолган уйни, эгасиз ётган боғни кўрсатди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

БУЗУҚИ 1 Тўғри йўлдан оздирувчи, орани бузувчи, орага рахна солувчи, иғвогар, бузғунчи, ғаламис. *Юсуфбек ҳожининг ўғли ва ўзимизнинг Марғилондан ҳам яна бир неча бузуқилар..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўражон, арзимиз шуки, бебош бузуқи биргина шариатга эмас, балки подшоҳ ҳазратларининг шаънига ҳам ёмон гаплар айтган.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Ахлоқсиз, фоҳиша. *Бузуқи қариса ҳам, Ғамзаси қаримас.* Мақол.

БУЗУҚИЛИК Бузуқ ишлар билан шуғулланиш; бузуқларга хос хатти-ҳаракат. *Бузуқилигинг бошингга етди.* ▬ *Жиноятлар одат тусига кириб қолган жойларда ўғрилик, ҳаромхўрлик, бузуқилик ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

БУЗУҚЛИК 1 Ишламай қолишлик, ишдан чиққанлик, бузилганлик. *Машинанинг бузуқлиги ишга халақит берди.*

2 Ахлоқсиз кишиларга хос юриш-туриш, ахлоқсизлик, фаҳш. *Ҳаммасига чидаш мумкин эди, аммо қизларнинг бузуқлигига ҳеч чидай олмадим.* Мирмуҳсин, Умид. *Ярим кечагача у ёққа ағанаб, бу ёққа ағанаб ухлолмай, Ҳанифанинг бузуқлигини ўйлади.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

Авзойи бузуқлик Кайфиятсизлик, таъби тирриқлик. *Бечора энди мени таниган, авзойимнинг бузуқлигини ҳам пайқаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Даштдаги қизлар Адолатнинг авзойи бузуқлигини кўриб, кечаси билан фолбинлик қилиб чиқдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БУЗУҚЧИ *айн.* **бузуқи.** [*Абдураҳмонбой Алексейга*:] *Бузуқчиларга бош ўзим дегин.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

БУЗУҚЧИЛИК 1 Бузуқилик, ғаламислик, орага рахна солишлик; ярамас хатти-ҳаракат. *Бутун фисқу фасодларингни, қилган*

бузуқчилик, порахўрлик, ноҳақ қон тўкканликларингни... айтиб дод соламан. Ҳамза, Танланган асарлар.

2 *айн.* **бузуқлик 2**. *[Неъматилла] Ўғирлик пулларни бир неча йил маишатга, бузуқчиликка сарфлаган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *..бузуқчилик, беҳаёлик, бўҳтон-туҳмат унинг касби бўлиб қолган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

БУЗҒУН Оғир аҳволга тушган, нотинч, вайрон. *Мен туғилиб кўз очган дунё хароб эди, бузғун, бенаво.* Ҳ. Олимжон. *Ҳукмронлик қилган чоғда истибдод, Хўжаликлар бузғун, қишлоқлар барбод.* F. Fулом.

БУЗҒУНЛИК Нотинчлик, парокандалик; вайроналик. *Мамлакатда рўзғор бузғунлиги, босмачилик, очлик ва бошқа харобатлар.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бу бузғунлик манғит сулоласи ҳукмронлигининг бошларида ҳам давом этди.* С. Айний, Эсдаликлар.

БУЗҒУНЧИ *айн.* **бузуқи**. *Унча катта бўлмаган қишлоқнинг ўз кайвонисию бузғунчиси, ўғрисию ҳаками, бахтлисию бахтсизлари бор.* «Ёшлик». *Бу ғурбатларнинг бари сенинг оёғингнинг тагидан чиққандир, мамлакатни буздинг-ку, бузғунчи, беоқибат.* «Эрали ва Шерали».

БУЗҒУНЧИЛИК *айн.* **бузуқилик**. *Кейин аниқланишича, ўша бузғунчиликларнинг тепасида ҳам Шавкат афанди турганлиги маълум бўлди.* К. Яшин, Ҳамза. *-Бузғунчилик қилманг, Темуров! — жаҳли чиқиб ўшқирди раис.* Н. Қобул, Беморлар. *..хатарли жиноятчилар ўз қилмишларини одатда арзимайдиган бузғунчиликлардан бошлашади.* Газетадан.

БУЙДАЛАМОҚ Сиқимлаб юлмоқ, юмдаламоқ. *Муҳаббат.. туҳматчининг сочидан буйдалаб, бир таъзирини бериб қўймоқчи бўлиб, Оқсойга атайин тушиб, Ёқут ойимни тополмай қайтибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Салиманинг оёғига нимадир, юмшоқ нарса теккандек бўлди. Қараса, жунлари буйдаланган Мош оёғига суркаларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Йўловчи отининг қорни ботқоққа тегаётганини, ёлларини ёввойи жийда буйдалаётганини ҳам сезмайди.* С. Аҳмад, Одамнинг изи.

БУЙРА Қўнғироқ, жингалак. *Шербек энди қайтиб кетмоқчи бўлган эди, буйра соч йигит уйига таклиф қилди.* С. Анорбоев, Оқсой. *..ёшгина, чувак юзини буйра-буйра малла сочлари босган йигит ён дафтарини чиқариб, варақлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

БУЙРАК 1 *анат.* Одам ва умуртқали ҳайвонларда сийдик ҳосил қилувчи ва уни ажратувчи, ловия шаклидаги жуфт аъзо. *Ўнг буйрак. Чап буйрак. Буйрак тоши.* ▬ *Буйрак ловия шаклида бўлиб, ботиқ томони гавданинг ўрта чизиғига қараган.* «Анатомия». *Баъзан тепки касаллигида сут бези, ошқозон ости бези, қалқонсимон без, буйрак ости безлари ҳам жароҳатланади.* «Саодат».

2 Баъзи ҳайвонларнинг шундай аъзосини пишириб тайёрланган таом номи. *Қовурилган буйрак.* ▬ *Тошхол буғланиб турган ўпка, жигар, буйрак, қоринларни пичоқ билан нон устига олиб қўйгач, бармоқларига пуф-пуфлаб, тўғрай бошлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БУЙРАЛАНМОҚ Жингалак бўлиб осилиб тушмоқ. *Шу аснода хонадан яшнаб Зумрад чиқиб келди. Сочлари чаккаларига буйраланган, бошида лоладай ёнган товар дурра..* Ойбек, Улуғ йўл.

БУЙРУҚ 1 Ташкилот, муассаса, корхона, ҳарбий қисм ва ш.к. бошлиғи, раҳбарининг ўз тасарруфидаги ташкилот, муассаса, корхона бўйича чиқарадиган расмий фармойиши, амри ва шундай фармойиш матни ёзилган қоғоз; расмий ҳужжат. *Директор буйруғи. Олий Бош Қўмондон буйруғи. Гарнизон бошлиғининг буйруғи. Ишга тайинлаш ҳақидаги буйруқ. Буйруқ билан расмийлаштирмоқ. Буйруқни кўринарли жойга осиб қўймоқ. Буйруққа қўл қўймоқ.* ▬ *Қўмондоннинг буйруғи билан учала ўғилдан бир экипаж ташкил этилибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Нима десам экан, қани.. юринг-чи, буйруқда нима дейилган экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Нусратбек Пайғомов билан гангур-гунгур суҳбатлашиб турган маҳалда, котиба буйруқни олиб кирди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Оғзаки ёки ёзма топшириқ, амр, фармон. *То эсини танигандан бошлаб буйруқларига сўзсиз бўйсуниб келган Гулнор, ҳеч нима ўйламасдан, ўрнидан турди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мўминнинг овозидаги қатъият, буйруқ Лайлини бўшаштирди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Шу аснода котиба шофёрга раиснинг буйруғини айтди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

Буйруқ майли *тлш.* Ҳаракатни бажариш-бажармаслик ҳақида буюриш, ундаш, истак

каби маъноларни ифодаловчи феъл шакли. *Буйруқ майлидаги феъллар тингловчи.. томонидан бажарилиши зарур бўлган иш-ҳаракатни англатади.* «Ўзбек тили дарслиги».

БУЙРУҚБОЗ Буйруқбозликни, буйруқ беришни яхши кўрадиган одам. *Хўш, ишчан бир ходимнинг манман ва буйруқбозга айланиб кетишига нима сабаб бўлди?* Газетадан.

БУЙРУҚБОЗЛИК Бўлар-бўлмасга, ўринли-ўринсиз буйруқ беравериш, ҳамма ишни фақат буйруқ бериш йўли билан олиб бориш. *Шундай ходимлар борки, улар раҳбарликни.. буйруқбозлик билан амалга оширишга уринмоқдалар.* Газетадан. *-Ёз бўйи амалий ёрдам бермай, қуруқ буйруқбозлик билан шуғулланиб, энди бенуқсон бўлинг, деганига доғман, — деди инженер пичирлаб.* «Муштум». *Ваъдабозлик, буйруқбозлик бациллаcи бу кишининг аъзойи баданида кучайиб кетяпти.* Газетадан.

БУЙРУҚНАМО Буйруқ оҳангида, буйруқ қилганга ўхшаш.

БУЙРУҚНОМА Буйруқ матни ёзилган қоғоз, ҳужжат. *-Фармонов ўз қўли билан, тўйга келинг, деб хат юборибди. Бу таклифномадан кўра ҳам буйруқномага ўхшарди, — деди уста.* Мирмуҳсин, Созанда.

БУЙРУҚОМУЗ Буйруқ тарзида; буйруқ оҳангидаги, буйруқнамо. *Тойлоқовнинг гапи буйруқомуз бўлиб, у гўё Онахоннинг келишига юз фоиз ишонгандай гапирарди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Аввалига боланинг буйруқомуз гаплари эриш кўринса-да, бориб-бориб ҳамма кўникиб кетди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Мен мезбонлар билан хайрлашиб, хурсанд бўлиб, кўчага чиққанимда, Уйғурнинг буйруқомуз овозини эшитдим: -Овозингизни эҳтиёт қилинг!* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

БУКЕТ [*фр.* bouquet — дарахтлар тўпи, кичик ўрмон] **1** Хиллаб дасталанган гул; гулдаста. *Улар оқ атиргуллардан ҳамда оқ ва қизил қалампиргуллардан қилинган букетларни кўтариб олганлар.* Газетадан.

2 *кўчма* Хилланган, сараланган нарсалар дастаси, туркуми. *Дўстим, мардлигингга қадаҳ кўтариб, Шеърдан букет ясаб, сенга тутаман.* Ю. Ҳамдам, Тинчлик баҳори.

Ғўза букети *қ. х.* Букетлаш натижасида ҳосил бўлган бир тўп ғўза. *[Бешинчи босқичга] ..яганалаш, ғўза букетларини ростлаб қўйиш, чопиқ қилиш.. шу кабилар киради.* Газетадан.

БУКЕТЛАМОҚ *қ. х.* Қаторлаб экилган ғўза тупларини машинада яганалаб, кўндалангига культивациялаб, тўп-тўп қилиб ажратмоқ. *Ғўза тупларини ғужлаб қўйиш — букетлаш сингари меҳнатни энг кўп талаб қиладиган ишни батамом йўқотишга имкон беради.* Газетадан.

БУКИК 1 Букланган; буклоғлик; букилган, эгилган. *Прокурор Насриддинов чўнтагидан тўрт букик бир қоғозни чиқариб, қўлини столдаги қўнғироққа чўзди.* К. Алиев, Мараз. *Ранг-баранг кийимдаги болалар қадди букик, сочлари оппоқ, кенг юзли.. кампирнинг атрофини чуғурлашиб ўраб олишди.* С. Нуров, Меҳригиё. *Унинг [Икромнинг] букик елкалари ростланган, кўзлари катта-катта очилиб, олайиб кетган эди.* А. Асилов, Икром индамас. *Кимлар хушбахт, кимлар хоксор, Кимлар қадди букик, мисли ёй!* Миртемир.

2 Қуйи солинган, эгилган. *Ҳамманинг боши букик, кўнгли синиқ эди.* Ойбек, Навоий.

БУКИЛМА 1 Бирор нарсанинг букилган ери, букилган жой. *Трубканинг букилмаси.*

2 *геол., геог.* Ер пўстининг чўккан ёки эгилган жойлари.

БУКИЛМАС Сира ҳам букилмайдиган, мустаҳкам. *Букилмас ирода.* ▬ *Сиз мардлар авлоди, сиздаги ғурур Пўлат найза каби ўткир, букилмас.* F. Ғулом.

БУКИЛМОҚ Букмоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Икки букилган қоғоз. Букиладиган каравот.* ▬ *Ўғлининг қилиқларидан деярли хабардор бўлиб турган читфуруш номусдан қадди букилиб, кўчага чиқолмай қолди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Юк орқалаган, оғир қоплар остида икки букилган аравакашлар.. кўриниб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БУКИЛУВЧАН Осон букиладиган, эгиладиган, эластик. *Букилувчан новда. Букилувчан металл.*

БУКЛАМ 1 Букланган, буклоғлик, букик. *Икки буклам қоғоз.* ▬ *Устингга кийганинг буклам кўйлакди, Ўрганибсан нағма билан юрмакни.* «Қўшиқлар».

2 Қат-қат букланган нарсаларнинг ҳар бир қати. *Букламини ёзмоқ.*

БУКЛАМА Буклаб йиғиб қўйиладиган, ёпиладиган. *Буклама пичоқ. Буклама каравот.* ▬ *Мен шамшод хивичдан тўқилган буклама курсичани тахладим.* С. Азимова, О, Лайло. *Восит буклама каравотни ошхонага олиб чиқиб ётадиган бўлди.* Ш. Холмир-

заев, Бодом қишда гуллади. *Обид ака буклама пичоғини тарвузнинг думига шундай тегизиши билан ёрилиб кетди.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин.

БУКЛАМОҚ 1 Бир учини иккинчи учига етказиб қайирмоқ, букмоқ, шу тарзда букиб тахламоқ. *Қоғозни букламоқ.* ▬ *Зайнаб бυкланган бир қоғозни эрига узатди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Қалами тўнини ечиб, бир четга буклаб қўйди.* С. Сиёев, Аваз. *Газетани буклаб, чўнтагига солиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Йиғмоқ, ёпмоқ (буклама нарсаларни). *Қаламтарошни букламоқ. Зонтикни букламоқ.* ▬ *-Бу бир, — деди у катта бармоғини буклаб.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *кўчма* Бўйсундирмоқ, тобе қилмоқ, енгмоқ. *Одамга эгиладиганга ўхшамайди бу бола, сиз бир гап билан икки буклаб қўйдингиз.* И. Раҳим, Ихлос.

БУКЛЕТ [*ингл.* booklet — китобча] Яхлит бир қоғозга босилиб, икки ва ундан ортиқ саҳифаларга букиладиган, йўлкўрсаткич, маълумотнома хусусиятига эга бўлган нашр тури. *Кўргазмадан ноёб фотосуратлар, музей ишига бағишланган брошюралар, буклетлар, марка, эсдалик нишонлари кенг ўрин олган.* Газетадан. *..ранг-баранг рисолалар, буклетлар, плакатлар кўпроқ чиқарилмоқда.* Газетадан.

БУКЛОҒЛИК 1 Букланган, букик, қайрилган, букланган ҳолатдаги. *Ички киссасидан бояги буклоғлик қоғозни олди, стол устига ёзиб текислади, яна бир карра ўқиб чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Одамлар энди мингбошининг оғзига эмас, қўлида буклоғлик қамчига тикилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дарвоза олдида тўхтаб, буклоғлик қалпоғи билан пешанасини артиб, нафасини ростлади.* А. Мухтор, Чинор.

2 Ёпилган, йиғиштирилган. *Буклоғлик қаламтарош.*

БУКМОҚ 1 *айн.* **букламоқ 1**. *Салимбойвачча хатни ўқиб, аста букди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўтабой хатни букар экан, уф тортди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Қайирмоқ, эгмоқ. *Кучли шамол кўтарилиб, боғчадаги ҳар нарсани тўрт тарафга бука бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳаёт келинчакларча, бир оёғини йиғиштириб, иккинчи оёғини тиззадан букиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мунир бармоқларини букиб, хотинига кўрсатиб, санай бошлади.* «Ёшлик». *Ғуломжон чиройли қаддини букиб, онаси устига энгашди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 *кўчма* Синдирмоқ, енгмоқ, тобе қилмоқ. *Бироқ фактлар, ҳужжатлар, жуда кўп одамларнинг гувоҳликлари унинг қайсарлигини аста-секин қайириб, ниҳоят, букиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *На баланд қўрғонлар, на қалин дарвозалар ва на жаллодлар халқнинг иродасини бука олмади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Об-ҳаво эса қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Аммо у пахтакорларимизнинг ғалаба йўлидаги иродасини бука олмайди.* Газетадан.

Бошини букмоқ 1) бошини қуйи солмоқ. *Болалар ҳам, гўё отадан абадий айрилгандек, бошларини етимона буккан эдилар.* Ойбек, Нур қидириб; 2) *кўчма* эл олдида уялтириб, ерга қаратиб қўймоқ. *Қарз кишининг бошини букади.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Туринг, қизим, — элликбошининг товуши бирдан мулойимлашди, — ота-онанинг бошини букманг.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ерга букмоқ** Ерга кириб кетгудай уялтирмоқ ёки таҳқирламоқ. *Бир куни одамлар олдида Носиримни ерга букиб: «Сиз занглаган кетмонсиз, оловга тоблаб, ўткир эговда чархлаш керак», десая, юзсиз!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Номусини букмоқ** Номусга қолдирмоқ. *Нодон билан юрма, номусингни букма.* Мақол.

БУКРАЙМОҚ *шв.* Букчаймоқ. *Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб, шу ерга бир кампир келиб қолди.* «Муродхон».

БУКРИ 1 *айн.* **букур**. *Букри одам. Таёқ ўғрини тўғрилар, Гўр букрини тўғрилар.* Мақол. ▬ *Кўчадаги шовқинга дарвозадан пакана, букри одам бир қўлида фонус, бошқа қўлида курси кўтариб, чопиб чиқди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Ҳамма ялт этиб букри йигитга қаради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Эгилган, майишган. *Букри кўприк. Букри тол.* ▬ *Қачон кўрма, бир пой ҳўкиз, букри омоч, Бағри шамол кўрмай, қишда қолади оч.* Ғ. Ғулом, Кўкан. *Эшагини йўл четидаги букри тутга боғлади.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштталар.

БУКРИЛИК Умуртқа поғонасининг лат ейиш ёки турли касалликлар оқибатида дўппайиб чиқиб қолиши. *Марям бахши етмишлардан ўтган кампир.. қаддининг туғма букрилиги бўлмаса, уни ҳеч ким етмишни кўрган демас эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

БУКСИР [*р.*< *нем.* Bugsierer – тортувчи кема, арқон] **1** Бошқа кема, баржа ва ш.к. ни шатакка олиб борувчи махсус кема. *Пароходнинг буксирини эслатувчи бу агрегатлар бир йўла уч ишни адо этарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Шатакка олиш учун қўлланадиган махсус пўлат арқон, трос.

БУКУН *айн.* **бугун.** *Шеър ёзилган саҳарларга гул ўраб келдим букун.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Нури, букун Гулнор уйини холи топиб, калиди бурнида унутилган бир қутини топди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БУКУНГИ *айн.* **бугунги.** *Мирсоат, сен букунги ишингни хотирлайсанми?* А. Қодирий, Обид кетмон. *Букунги шонли буюк ҳурматингга минг раҳмат.* Ҳабибий, Девон.

БУКУР 1 Умуртқа ёки кўкрак қафасининг қийшайиб ўсиши натижасида ҳосил бўладиган дўмбоқ, букри жой. ▬ *Ўн беш ёшидан бошлаб.. то шу дамгача эрта-кеч букчайиб ишлашга тўғри келгани учун унинг елкаси букур каби, ортиқча туртиб чиққан эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шундай иллати, нуқсони бўлган одам. *Букур одам.*

3 Эгилган, майишган, қийшиқ, букри. *Темир йўл ёқалаб кетган дала йўли букур жийда тагида тугарди.* С. Маҳкамов, Шогирд.

БУКЧАЙМОҚ 1 Елкаларини чиқариб, кўкрагини ичига олиб энгашмоқ. *Найман она букчайиб ўтириб қолди.* «Ёшлик». *Салимбойвачча букчайганича қимир этмай қотди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нормат полвон аранг ўрнидан турди-да, букчайганча ўликнинг тепасига борди.* «Ёшлик».

2 Белини, кўкрагини кўтара олмай энкайиб қолмоқ, қадди эгилмоқ. *Букчайган чол. Бели букчайган кампир.* ▬ *У ғамдан букчайиб қолган ҳаким Абдусамадга ачинар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Уйда ўтириб, чўкиб, букчайиб қолди.* «Шарқ юлдузи».

БУЛ *эск. кт. айн.* **бу**. *Фақир андак фурсат бошини қуйи солиб туриб дедики, эй хўжа, бул ишда сир бордир, мандин тиламагилки, ул сирнинг пардасини кўтарсам.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. *Рост, бул ўғлингиз серғайрат ва зеҳнли эканлиги унинг юриш-туриши, важоҳатидан билиниб турибди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Аммо бул иш иккитамизнинг ҳам охиратимиз учун яхши иш эрмас.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БУЛАМИҚ 1 Унни сутга булаб (қориб) тайёрланадиган аталасимон овқат. *Иш юришмаса, буламиқ дандон синдирар.* Мақол. ▬ *Бир-икки кун сутли овқатлар, буламиқ еб турсинлар.* Мирмуҳсин, Умид. -*Буламиқ, оз-оздан ширгуруч еяпти,* – *куёви ўрнига Ёрқиной жавоб қилади.* Р. Раҳмон, Меҳр. *Икки чақмоқ қанд бўлганида, буламиқ қилиб берардим.* Газетадан.

2 *кўчма с. т.* Аралаш-қуралаш, чалкаш нарса. *Ишни буламиқ қилиб юборибсиз.*

БУЛАМОҚ 1 Юқадиган нарсага ботириб ёки белаб, ҳамма ёғини қопламоқ, айлантириб ботирмоқ. *Унга буламоқ. Қаймоққа буламоқ.* ▬ *Қани, нонни синдириб, қаймоққа булаб-булаб уриб олинглар-чи.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ҳалим эшон юмшоқ нонни олча қиёмига булаб еркан..* И. Раҳим, Тақдир. *Сочимдан тортиб, тупроққа буламоқчи мени у хотин.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Бўлар-бўлмас айблар билан қораламоқ, асоссиз айбламоқ; фош қилмоқ. *Салима йиғилишда Қодирни роса булади.*

БУЛБУЛ I [*ф.* بُلبُل – булбул] **1** Чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш. *Булбул чаманни севар, Одам – Ватанни.* Мақол. *Қуш йўқ жойда қурбақа – булбул.* Мақол. ▬ *Эй дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.* Ҳамза. *Ҳаммаёқ жимжит. Фақат онда-сонда булбуллар ноласи эшитилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Хушовоз хонанда; моҳир нотиқ. *Зўрға-зўрға қайрилиб, ёнига қаради: севимли булбули, сочларини тўзғитиб, ширин уйқуда роҳат қилмоқда эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Эргаш ота ҳақиқатан ҳам халқ кўнглини хониш қилувчи шоир, халқ дардини, тилак-орзусини куйловчи булбул эди.* «ЎТА».

3 *кўчма* Ошиқ, хуштор. *Гул шохига булбул қўнса, бир қўнсин, Икки булбул қўнса, сира қўнмасин.* «Қўшиқлар». *Қайтайин, сўлганди чаманда гулим, Қўлимдан учди-ку менинг булбулим.* «Нурали». *Қиз қизил гул бўлганда, йигит – булбул, Гулни излаб булбул боғда тунамасми?!* «Қўшиқлар».

БУЛБУЛ II Ўзбек халқ амалий санъатининг кўп соҳаларида қўлланадиган, ўйма ва қуйма усулларда бажариладиган нақш.

БУЛБУЛАК [*ф.* بلبلك – булбулча] **1** Торли мусиқа асбоблари дастасининг юқори қисмидаги, ёғоч ёки суякдан ясалган харак.

2 Лойдан қуш шаклида ясалган ва оловда қиздириб пиширилган, болалар пуфлаб чаладиган ҳуштак (ўйинчоқ).

БУЛБУЛИГЎЁ [булбул + *ф.* گویا – сўзловчи; нотиқ] **1** Булбул каби сўзловчи, куйловчи. -*Илгари оринг келмас эди, булбулигўё эдинг, – деди аста Табибий.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сайрасанг, сен сайра, булбулигўё, Сен сайрасанг, ошиқ ўзин ўлдирур.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *с.т. кўчма* Ҳаддан ташқари кўп гапирувчи; вайсақи; маддоҳ. *Аъзамнинг булбулигўёлиги суҳбатдошимга кутганидан ортиқ озуқа берди, шекилли, у формадаги ҳамроҳига: -Бу лаққага ўхшайди-ку! – деб, сўл кўзини қисиб қўйди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

БУЛБУЛНАВО [булбул + наво] Булбул каби куйловчи, булбулдек хушовоз. [*Қизлар*:] *Боғда булбуллар баҳор мадҳини куйлар тинмайин, Жўр бўлинг, вақт ўтмасин, булбулнаволар, қайдасиз?* Уйғун, Лақма.

БУЛДИРАМОҚ *шв. фольк.* Элас-элас, айқаш-уйқаш бўлиб кўринмоқ. *Йиғлай-йиғлай ёш ёғилди юзимга, Ёруғ дунё булдирайди кўзимга.* «Юнуспари». *Чанг асар қилибди менинг ўзима, Сувсизликдан ер булдирар кўзима.* «Гулнорпари».

БУЛДУРҒУН Оддий малина. *қ.* **хўжағат.**

БУЛДУРУҚ I **1** Аёзли, совуқ кунлари ёки туман пайтларида нам ҳаво зарраларининг музлаши натижасида ҳосил бўладиган майда қаттиқ қор; қиров. *Тушдан кейин осмон юзини сарғиш туман қоплаб, майда булдуруқ ёға бошлади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Кўприк устидаги қайрағоч новдаларини булдуруқ ўраб, танасигача оппоқ қилиб қўйган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эрталабки туман тарқалиб, дарахт шохларига ёпишган булдуруқ зарралари гавҳардай ялтирай бошлади.* А. Мухтор, Чинор.

Булдуруқ боғламоқ Булдуруқ зарралари билан қопланмоқ. *Йўлакда булдуруқ боғлаган оппоқ акация тагида келишгангина бир қиз билан Акбарали турарди.* А. Мухтор, Чинор. *..қамишлар булдуруқ боғлаб, оппоқ бўлиб қолган экан.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

2 *кўчма* Сочнинг оқи; оқарган соч. *Бир вақт юрагимни севгига маскан этган қора сочга қўнмиш булдуруқ.* С. Зуннунова.

БУЛДУРУҚ II Каптарсимонлар оиласининг булдуруқлар туркумига мансуб бўлган чўл қуши; қорабовур. *Азимхон.. ёвшан тоғларидан учган булдуруқларни кўзи билан узоқларга қадар кузатиб қолар эди.* А. Мухтор, Чинор. *Юртга куз келганин аста билдириб, Дарахтлар шохидан учар булдуруқ.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

БУЛДУРУҚ III Балиқ тухуми, уруғи; увулдириқ, икра. *Дастурхон кўнгил тусаган нарсаларга тўла. ..қора, қизил булдуруқлар, қовурилган беданаю ранг-баранг узум, олма.. каржланган қовун-тарвузлар кўзни ўйнатади.* «Ёшлик». *..бу қалдирғочлар ўзининг насибасини денгиз қирғоққа улоқтирган балиқларнинг лаҳм гўшти ва булдуруғидан кўради.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

БУЛДУРУҚЎТ Алисмадошлар оиласига ёки булдуруқдошларга мансуб, ботқоқлик ҳамда сувда ўсувчи кўп йиллик ўт.

БУЛЖОР *қ.* **бўлжор**.

БУЛКА *айн.* **бўлка.** *Она Жўрабой ота билан Эъзозхонни Ботирали олиб келган қора булка ва.. ёнғоқ, нонжийда билан меҳмон қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

БУЛЛИТ [*ингл.* bullet – ўқ] *спрт.* Хоккейда: гол бўлиши эҳтимоли бор вазиятда шайбани эгаллаган хоккейчини қўпол равишда тўхтатиб қолиш учун белгиланадиган жарима шайба.

БУЛОН Ёввойи от. *Қари ҳам бўлса қулондай, бўйнини чўзиб булондай сувга келаётибди.* «Равшан». *Булон юрмас ерлардан Бўғиб ўтиб боради.* «Равшан».

БУЛОҚ 1 Ер остидан отилиб, қайнаб чиқувчи сув ва шундай сув чиқиб турган жой, чашма. *Иссиқ булоқ. Булоқ суви. Сўзнинг онаси – қулоқ, сувнинг онаси – булоқ.* Мақол. ▬ *Булоқ бўйида жой қилишибди. Дастурхон усти ноз-неъматга тўла.* «Саодат». *Махсум.. чўққининг шундай биқинидан қайнаб чиқаётган булоқда ювинди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма поэт.* Бой манба. *Ижод булоғи. Онанинг қалби – меҳр булоғи.* Мақол. ▬ *Ижод, нашъа кундан-кун зиёд, Йўқдир орзу булоғига банд!* Газетадан. *Фольклор халқ даҳосининг туганмас булоғи бўлиб, ёзма адабиёт ҳар доим ундан баҳра топиб келади.* «ЎТА». *Даромаднинг яна бошқа булоғи чиқиб қолди.* «Муштум». *Онанинг кўкраги битмас булоқдир! Дили оқ бўлганидан сути ҳам оқдир!* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

Бурнидан булоқ бўлди Бурнидан чиқди, татимади, зое кетди. *Тўйчи дўкончининг ҳам еган-ичгани бурнидан булоқ бўлиб чиқади.* А.

Кўчимов, Ҳалқа. **Кўз булоғи қайнамоқ** Қаттиқ йиғламоқ, кўз ёши тўкмоқ. *Энди она анча тузалиб қолди. Фақат Ботиралини эсласа, бағри эзилади, дили эриб, кўзларининг қўш булоғи қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БУЛОҚИ Бурунни тешиб тақиладиган зирак, зийнат буюми. *Ўйинчи йигит четга чиқиши билан киприкларига сурма қўйган, бурнига булоқи таққан, бодомқовоқ йўғон бир жувон ўртага чиқиб йўрғалай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кичкина бурнига каттагина булоқи таққан кенжа қизча нималарнидир ғужиллаб, қўғирчоқ ўйнарди.* Ойбек, Нур қидириб.

БУЛОҚЧИЛАР *зоол.* Булоқ, кўл, ариқ ва дарёларда учрайдиган, қисқа муддат яшовчи, капалакка ўхшаш бир хил ҳашарот.

БУЛОҒОЧУН 92 бовли ўзбек уруғлари насабномаларида қайд қилинган қадимги туркий (ўзбек) уруғлардан бири.

БУЛТУР *с. т.* Ўтган йили. *Мен сизни бултур кўрувдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

БУЛТУРГИ *с. т.* Ўтган йилги; ўтган йили бўлган. *Бултурги қиш.* ▬ *Бултурги майизнинг суви, Учқораники.* С. Сиеўев, Отлиқ аёл. *У сариқ чўпаклари диккайиб турган бултурги бурган қолдиқлари орасидан ялпиз тера бошлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БУЛУТ I **1** Осмонни бутунлай қоплаб олган ёки унинг у ер-бу ерида ғуж бўлиб тўпланган, қуюқлашган сув буғлари. *Оқ булут. Баҳор булутлари. Сукутда ҳикмат кўп, Булутда — ҳиммат.* Мақол. *Ўтган булутдан ёмғир кутма.* Мақол. ▬ *Булутлар шамолга эргашиб, тоғ томон йўл олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўкни булут қоплаган, милт этган юлдуз йўқ эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ҳаво (*ёки* **осмон) булут** Осмонни булут қоплаган, ҳавонинг авзойи бузуқ. *Осмон булут. Биронта юлдуз кўринмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳаво булут. Одамларнинг шошиб югуришига қараганда, қорми, ёмғирми ёғса керак.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 *кўчма* Осмонни булут каби қоплаб олган ҳар бир нарса. *Эргаш чанг булутини ёриб, извошга етиб олишга шошилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аввал ҳалиги тикроқ қора бола, кейин бошқалари ғойиб бўлди, улар ўйнаган жой устида анчагача чанг булути туриб қолди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *кўчма* Таҳдид солувчи ёки дилни қоронғи қилувчи ҳар бир нарса, ҳолат. *Боя, қиз овозини эшитганда, қалбида чақнаган қуёш юзини мана энди қора булут босди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳар ҳолда, Тошкент устига яна қонли булутлар чиқди, ишнинг охири нима билан тинчланар, бу бир худогагина маълумдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *с. т.* Бир турли денгиз жониворининг ғовак, юмшоқ танаси (чўмилишда баданни совун билан ишқаш учун ишлатилади).

БУЛУТ II Кулолчиликда ишлатиладиган булутсимон бўртма ёки илон изига ўхшаш нақш.

БУЛУТДАЙ, -дек 1 Булутга ўхшаш, булут сингари. *Унинг бутун юрагини қора булутдай қоплаган ғам бир онда йўқолгандай бўлди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ота яна намозгар чоғи булутдек бўлиб кириб келди-ю, супа ўртасида тўхтаб, бетоқатлик билан Диловарни сўради.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Икки мартадан ирғитилган тупроқ тўзиб, шамолсиз дим ҳавода булутдек муаллақ туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Булутларга етгудек, юксак, баланд. *Ёш йигитнинг.. пахтазорга кириб.. шавқ билан тез-тез тергиси, булутдай хирмон қилгиси келди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 *кўчма* Катта ва учқур (от ҳақида). *Остингда булутдай от, эгнинг бут.* Ойбек, Навоий.

БУЛУТЛАНМОҚ Булут билан қопланмоқ, булут босмоқ. *Бир неча кун булутланиб турган ҳаво яна очилиб кетди.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

БУЛУТЛИ Булут билан қопланган, булут босган. *Булутли қиш кунининг юракка зиқлик берувчи хира тонги эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳаво булутли, касалхона ҳовлиси бўм-бўш эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

БУЛЬВАР [*фр.* boulevard — шаҳар девори] Икки томонлама ҳаракатли кўча ўртасидаги кенг хиёбон. *Бизнинг гулбоғларимиз, хиёбону бульварларимиз ёз кезларида айниқса кишини ўзига мафтун этади.* Газетадан. *Шундай кезлари — табиат уйғонаётган паллада тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб шимиришнинг, бульварда ўтириб, хаёл суришнинг гаштига нима етсин.* Газетадан.

БУЛЬДЕНЕЖ [*фр.* boule de neige – юмалоқланган қор] Май ойида гуллайдиган декоратив бута ва унинг оқ шар шаклидаги гули. *Таманно иккита атиргул, Эркиной битта қирқоғайни, Турғун битта сирень билан бульденеж, бошқалар шойигул, қашқаргул, кўқонгул, картошкагул, ҳуснииюсуф кўчатлари олиб келишди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

БУЛЬДОГ [*ингл.* bulldog – буқасимон ит] Катта япасқи тумшуқли, кўкраги кенг, оёқлари калта ит. *Итлар ҳам ҳар хил бўлади: бульдог, кўппак, исковуч, този, лайча, бўрибосар.. хуллас, санайверсам жуда кўп.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БУЛЬДОЗЕР [*ингл.* bulldozer – катта кесакларни майдаловчи] Ер суриш ва текислаш учун махсус кескич-сургич билан ускуналанган трактор. *Бульдозерлар бири олиб, бири қўйиб вағиллайди. Орқага тисарилади, олдинга интилади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Орадан ўн кун ўтиб, ўнлаб бульдозерлар, тракторлар, скреперлар адир томон ўрмалади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

БУЛЬДОЗЕРЧИ Бульдозер ҳайдовчи. *Бульдозерчи.. тик трассадаги тошларни суриб, йўл очиб берди.* И. Раҳим, Тақдир. *Зойиржон тўрхалтасини силкитиб елкасига оларкан, нотаниш бульдозерчини сўкди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БУЛЬОН [*фр.* bouillon – қайнатма] Гўшт, шунингдек, балиқ, сабзавот кабилар қайнатилган сув; қайнатма шўрва суви. *Бу таомнинг ташқи кўриниши бир оз сарғишроқ, ёғсиз бульон.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

БУЛҒАЛАМОҚ 1 *айн.* **булғамоқ**. *Шокир кучлироқ бўлгани учун бир чалишда уни [Сатторни] ағдариб йиқитди ва то узоқдан ўқитувчилари кўрингунча тупроққа булғалаб турди.* Ў. Умарбеков, Қисмат.

2 Қўлини кўтариб, ҳавода муаллақ айлантирмоқ. *Бир қўлини кўтариб булғалаб, ҳадеб чақираверди.* «Равшан». *Муни кўриб, масти беихтиёр бўлиб, икки қўлини кўтариб, булғалаб.. қизларни чақириб, бир сўз айтди.* «Равшан».

БУЛҒАМОҚ 1 Бирор нарсани ифлос, кир нарсага беламоқ, ботирмоқ, ҳамма ёғини ифлос қилмоқ. *Эшакни сийласанг, охурини булғар.* Мақол. *Оёғи ифлос тўр булғар, Ўзи ифлос эл булғар.* Мақол. ▬ *Ифлосланган оқар сувлар сизиб ўтиб, ер ости сувларини булғамоқда.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Бадном қилмоқ; ҳақоратламоқ. *Марҳум ҳақида сўз очдилар, унинг арвоҳини булғадилар.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Нега у пашшахўрда бўлиб қолди десам.. ўз нафсини кўзлаб, виждонимни ўз шалтоғига булғаб, ширин турмушимни бузмоқчи экан.* С. Юнусов, Осон ишнинг оҳи бор. *Номини булғаманг! Шербек акам тилла йигит.* С. Анорбоев, Оқсой. *Поданинг ичида битта тиррақиси бўлса, ҳаммасини булғайди.* С. Зуннунова, Олов.

Наслини булғамоқ 1) наслини бузмоқ; 2) *кўчма* насли-насабини иснодга қолдирмоқ. *Сен базнинг наслимизни кўтариш ўрнига ерга уриб булғадинг.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Лойқатмоқ, лойқа қилмоқ. *Сувни булғамоқ.*

4 *шв.* Қўл билан имламоқ. *Ўтирибди айвончада азонда, Алин булғаб, қичқиради хирмонда.* «Қўшиқлар».

5 Беламоқ, буламоқ, ботирмоқ. *Раъно айвон лабида қўлини керосинга булғаб, лампа ёқиш ҳаракатида эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳомид нонни шиннига булғар экан, сўради: -Ёшингиз нечада, бек*? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Бузмоқ, иснод келтирмоқ. *Энди улар [болалар] баттар бўлса бўладики, яхши томонга ўзгармайди. Жамиятни булғаб яшайверади.* «Ёшлик». *Лекин сиз билан том маънодаги тиланчилар, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг кўркам жамолини булғаб турган ўша сўғаллар, ҳуснбузарлар ҳақида гаплашмоқчиман.* Газетадан.

7 *кўчма* Зўрламоқ, номусига тегмоқ. *Ўша бувайдалик Саидаҳрор эшон ўн бир яшар қизни булғаган, шарманда бўлишдан қўрқиб, уни бўғиб ўлдирган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БУЛҒАНМОҚ 1 Булғамоқ 1, 2, 5 фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Лойга булғанмоқ. Ўз шалтоғига булғанмоқ.* ▬ *Булғаниш бўлса, шаъним бир марта булғанган. Менга мурувват қилмай қўя қолинг.* С. Анорбоев, Меҳр. *Йигитлар қўйларнинг сийдик ва тезакларига булғаниб ётган тутқунларнинг қўл-оёқларини ечиб, қўрадан ҳайдаб чиқармоқчи бўлдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 *физиол.* Ихтилом бўлмоқ.

БУЛҒАНЧ Булғанган, ифлос; лойқа. *Ҳовли юзи турли ахлатлар билан булғанч, гўё йиллардан бери тозаланмаган, супурги кўрмагандек эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БУЛҒАНЧИҚ *айн.* **булғанч.**

БУЛҒАТМОҚ 1 Булғамоқ 1, 3, 6 фл. орт. н. *Олти йилдан бери қанча пок ёстиқларни булғатмади Фуод афандининг бу учирмаси.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *айн.* **булғамоқ 1**, **2**, **3**. *Ўзбеклар айтади: «Ифлос бузоқ подани булғатар».* Ойбек, Қуёш қораймас. *Туз ичиб, тузлиғимни булғатиб кетмоқчимисан?!* М. Бобоев, Гўзаллик истаб. *..бир куни икки ясовул чашма бошида: «Сен, ярамас келгинди, сувни булғатдинг», деб қамчи билан [мешкобчини] чунонам savaлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БУЛҒОВИЧ *шв.* **1** Ип йигирадиган чархни айлантирувчи чўп, пилтакач. *Кампир, қулоқ солгин айтган тилимга, Булғовичинг хўп ярашар қўлингга.* «Гулшанбоғ».

2 Хамир ва ш. к.ни қорадиган курак.

БУЛҒОР *айн.* **болгар.** *Янги ерларга кўчиб келган гагаузлар ўзларини булғор деб атаганлар.* «ЎТА». *Бу Аҳмад яхши кўрадиган, лекин харид қилишга доим ҳам қурби етавермайдиган камёб булғор сигарети эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Булғор гармдорининг унча пишиб кетмаган, пўсти яшил ва нозик хилларидан танлаб оласиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

БУЛҒОРИ: булғори тери Қорамол терисидан ишланган юмшоқ кўн. *У қувонганича югуриб, ўтовга кирди-да, қўнжи узун булғори этигини кийиб чиқди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

БУЛҒОРЛАР 1 *тар.* 10-15-асрларда Волга ва Кама дарёлари атрофида яшаган туркий қабилалар номи.

2 *айн.* **болгарлар.**

БУМАЗЕЙ [*итал.* bambagina – пахта] Тескари томони пахмоқ тукли, қалин ипгазлама. *Бир кўйлаклик бумазей. Бумазей халат.* ■ *Унинг илгаридан дуркун гавдаси яна ҳам тўлишиб, олачипор бумазей халатини тўлдириб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БУНАҚА *с. т. айн.* **бундай**. *-Бунақа гаплар кимдан чиқади? – деди Аҳмедов мийиғида кулиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Умрингизда бунақа ош емагансиз. Ўзим дамладим.* О. Ёқубов, Излайман. *Бунақа хотинни хотин дейилмайди, бебаҳо хазина дейилади.* С. Аҳмад, Юлдуз.

БУНАҚАНГИ *с. т. айн.* **бундай.** *Бунақанги гапларга ишонаверманг.* ■ *Бунақанги ишларга суяги йўқ.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ўзи жуда ғалати одам-да устозим, бунақанги ақлли одамни икки дунёда ҳам тополмайсиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

БУНДАЙ 1 *кўрс. олм.* Худди айтилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагига ўхшаш, тенг; бунақа, бу каби. *Бундай пайтларда Луғумбек тарафларда ҳаво ниҳоятда дим бўлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бўтабой бундай саволни кутмаган бўлса керак, гангиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз етти иқлимда ҳам топилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *рвш. взф.* Шу қадар, шунчалик, бунчалик. *Бир жойга бориб, сира бундай кеч қолган эмас эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Агар сан бир хум олтин топсанг, бундай севинмас эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қуйидагича. *Бир хатида бундай дебди: «Катта походдан кейин ҳозир дам олиб ўтирибмиз. Жуда чарчаганман».* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 *рвш.* Айтилганга, кутилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагига ўхшаш бир зайлда, тарзда; шундай. *Йўқ, бундай бўлмаслиги керак, бундай бўлмаслиги керак, бу инсофдан эмас..* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Қоратой, сан бундай қил, ҳозир бориб ёт, чарчагансан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йўқ бундай эмас! Менинг зотимда жиноятчилар йўқ.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Бундай қиламиз, – капитан ўрнидан турди.* Ў. Ўмарбеков, Ёз ёмғири.

5 **-лар** қўшимчаси олиб отлашганда, бирор гуруҳ вакили бўлган шахсни англатади. *Ким билади, унақалар кўп ахир, укам, Ким ҳам ахир бундайларни йўлга солибди.* А. Орипов, Йиллар армони. *Бундайлардан мингтасининг қоши бир тола сочингга арзимайди. Биламан, қизим..* Ойбек, Танланган асарлар.

Биров ундай, биров бундай Ҳамма бирдек аҳволда эмас, ҳамма бир хил, баравар эмас. *Шунга ўхшаш биров ундай, биров бундай. Ўзингизни билинг, ўзга билан нима ишингиз бор*? Ойбек, Танланган асарлар.

БУНДАЙИН *шв.* Бундай, бу каби. *Бир мардни бундайин хафа қилибсан.* «Муродхон». *У билан менда қандай чора бор эдики, бун-*

дайин ишларни бўлдирмасак? Ҳамза, Паранжи сирлари.

БУНДАҚА *с. т.* Бундай**.**

БУНДАҚАНГИ *шв.* Бундай**.**

БУНДОҚ, бундоғ *с. т.* Бундай**.** *Бундоқ бўйнимни чўзиб қарасам, Муяссар билан.. Гулчеҳра шафтоли теряпти.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Воқеа бундоқ бўлган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Хилват қилиб, бундоғ гапирсангиз бўлмайдими?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бундоғ ёзай яхши-яхши достонларинг.* Ҳабибий, Девон.

БУНЁД [*ф.* بنیاد – асос, негиз, пойдевор; ибтидо] **1**: **бунёд бўлмоқ** *ёки* **бунёдга келмоқ:** 1) юзага келмоқ, барпо бўлмоқ; пайдо бўлмоқ. *Сарбаланд хирмонлар ўз-ўзидан бунёдга келмайди.* Газетадан. *Ғалла халқимизнинг пешона тери, билак кучи билан бунёдга келганлиги учун ҳам азиз ва муқаддасдир.* Газетадан. *Газли посёлкаси асосан 1954 йилда бунёдга келди.* «Муштум»; 2) туғилмоқ. *Фарзанд бунёд бўлди, ўлим йўқ демак..* «Ёшлик». **Бунёд қилмоқ (***ёки* **этмоқ, айламоқ)** Юзага келтирмоқ; барпо этмоқ, яратмоқ, қурмоқ. *Не керагинг бор эса, бунёд қил, Яхшиси, инсон дилин обод қил.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Йўқолган кўлларни қайта бунёд қилиш амри маҳол.* «Муштум».

2 Бор, барқарор. *Жаҳонда токи бунёдсен Ки номи одамизодсен..* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

3 Бунёд (эркаклар исми).

БУНЁДКОР [*ф.* بنیادکار – асос солувчи, яратувчи] Асос солувчи, барпо қилувчи, яратувчи. *Бунёдкор халқимиз Қарши ва Жиззах даштларини яшнаб турган пахтазорларга айлантирмоқдалар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ахир аёл сени, барча одамзодни дунёга келтириб, оқ сут бериб катта қилган бунёдкор-ку!* Газетадан. *Ҳа, қишлоқларимизнинг тупроғи олтин, кишилари бунёдкор, келажаги яна ҳам порлоқ.* Газетадан.

БУНЁДКОРЛИК Бунёд этиш, яратувчилик, ижодкорлик. *Бунёдкорлик меҳнати туфайли серқуёш диёримиз йил сайин гўзаллашиб бормоқда.* Газетадан. *Улуғвор бунёдкорлик режаларини амалга ошириш учун халқимизга тинчлик керак.* Газетадан. *Икки томонлама кураш кетяпти. Бунёдкорлик кураши.* «Ўзбекистон қўриқлари».

БУНЁДКОРОНА Яратишга, бунёд қилишга боис бўладиган, асос соладиган. *Дилнавоз эса суҳбатдошини мафтун этганига маҳлиё бўлиб, Чотқол этакларидан бунёдкорона меҳнат таронасини ашула қилиб куйлаётгандай, завқ билан сўзларди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

БУНКЕР [*ингл.* bunker – кўмир солинадиган қути] **1** Комбайн, пахта териш машинаси ва ш. к. нинг йиғилган нарса келиб тушадиган, тўпланадиган қисми. *Сўриб олинган пахта машинадаги бочкасимон бункерга келиб тушяпти.* Газетадан. *Бу йил Эргашев ўз бункеридан 100 тонна «оқ лотин» териб тўкди.* Газетадан.

2 Қум, шағал, цемент, дон, кўмир ва ш. к. нарсаларни қисқа муддат сақлаш ёки ташишга мўлжалланган идиш.

3 Мудофаа учун мўлжалланган ер ости иншооти. *Улар бункерни қамал қилиб, тобора яқинлашиб борарди.* «ЎТА».

БУНТ [*нем.* Bund – боғлам; алоқа] Пахта ғарами. *..пахта тайёрлаш пунктларида эндигина дастлабки бунтлар қад ростлади.* Газетадан. *Усти ўраб ташланган пахта бунтлари баланд деворлар оша ёнма-ён қад кўтариб турарди.* Й. Шамшаров, Довруғ.

БУНЧА 1 *рвш.* Бу қадар, бунчалик, шунчалик. *Бунча кеч қолдингиз.* ▬ *О, бунча дардкашсан, она сайёра.* А. Орипов, Йиллар армони. *Оққа бунча беланибди у одам.* Ҳ. Олимжон.

2 *белг. олм.* Шу миқдорда; шу миқдордаги. *Бунча гапни қаердан топиб ёздингиз?* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бунча хотин, бунча бола-чақа.. қаерга сиғади?* Ойбек, Танланган асарлар. *Келиш-кетишингдан не эди матлаб, Не учун бошимга солдинг бунча ғам.* А. Орипов, Йиллар армони.

БУНЧАЛИК *рвш.* Бу қадар, бунча, шунчалик. *Дунёда ҳали бирор товуш Фазлиддинга бунчалик ёқимли туюлмаган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мансур аввеллари, Гавҳарга хат ёзиб юрганида, бу шўх шабада қизга бунчалик боғланиб қолганини билмасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат, Бунчалик гўзални нечун яратдинг?!* Ҳ. Олимжон.

Бунчалигини билсам Иш, аҳвол шундайлигини билсам. *Бунчалигини билсам, келмас эдим.*

БУР [*ф.* بر – мева, ҳосил] Барг, озуқабоп қисм. *Парпининг кўзи ногаҳон чуқурчага тушди. Чуқурчада ўтган йили кўкарган бурган бурлари тўкилиб, ёғиндан ивиган танаси букилиб ётарди.* Й. Шамшаров, Бахт

излаб. *Пичан тез ўриб олинмаса, бури тўкилиб, шираси кетади.* И. Раҳим, Ихлос.

БУРАЛМА *айн.* **бурама 1**. *Иккинчиси, ёшроғи, буралма мўйловли, қотмагина.* Ойбек, Танланган асарлар.

БУРАЛМОҚ 1 Бурамоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Винт буралмаяпти. Мўридан буралиб чиқаётган тутун.* ▬ *Норин дарёси тоғ ораларидан буралиб, кўпириб оқиб чиқяпти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чайла олдидаги гувала ўчоқдан буралиб-буралиб тутун кўтарилди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ичида алланима буралиб, ўқтин-ўқтин санчиқ турарди.* «Ёшлик».

2 Гавдани бир турли тўлғантирмоқ, шу ҳолатда юрмоқ, қилпанглатмоқ. *Паризодлар ўйнаб турар, Нозик беллари буралиб.* «Маликаи айёр». *Ичи ёниб, каравотда буралиб, тириша бошлади.* Мирмуҳсин, Умид.

БУРАМА 1 Спирал шаклда буралган, ўралган; буралма. *..кичкина бурама мўйловли йигит ҳеч қаерда кўринмасди.* С. Сиёев, Аваз. *Айниқса каттакон бурама карнай овози ажралиб турарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Улар бурама сўқмоқдан занжирдек олдинма-кетин боришар(ди)..* С. Кароматов, Олтин қум. *Шаҳзода Мўмин қатлхонага олиб чиқадиган бурама зинапоядан деворни икки қўли билан сийпаб, секин орқага тисланмоқда.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 Бураб очилиб-ёпиладиган; винтсимон; винтли. *Дарвозабон отнинг калласидек келадиган бурама қулфга узун калитни солиб, анчагача бураdi-да, дарвозани очди. М.* Осим, Ўтрор. *Ҳасанали ҳужранинг узун бурама қулфини очиб, ичкарига шам ёқди ва бекнинг тўшагини ёзиб, унинг кириб ётишини кутиб турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бурама мих *с.т.* Винт, шуруп. *Шербек ичкарига сирғаниб тушди-да, девор тагига бекина қолди. Энди шарманда бўлдим, деган фикр маҳкам ёпишиб, миясини бурама михдай пармалай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Гирдоб, уюрма. *Этакда Сир тўлиб, ўқтин-ўқтин бурамалар ҳосил қилиб, тўлғаниб оқмоқда.* Й. Шамширов, Енгиш.

4 *айн.* **бурма 1, 2**. *Бурама кўйлак кийибсиз, Севикли укам, ёр-ёр.* «Қўшиқлар».

5 *кўчма* Тескари маъноли, кинояли; аччиқ. *Бурама гап қилмоқ.*

БУРАМ-БУРАМ *такр. с.* Буралиб-буралиб кетган, жингалак, қўнғироқ. *Бурам-бурам гажагингга қўнсинми чанг..* «Муштум».

БУРАМОҚ 1 Доиравий ҳаракатга келтирмоқ, айлантирмоқ. *У телефонни қанча бураса ҳам, жавоб бўлмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Дуторчи дуторининг қулоғини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Азонда Муроднинг уйқуси қочди. Бош томонидаги столда турган муштдайгина радионинг қулоғини буради.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Ўраб, айлантириб, бурама шаклга киритмоқ, эшмоқ. *Арқонни бурамоқ.* ▬ *Сидиқжон мўйловини бураб, кулимсиради ва ер остидан Зуннунхўжага қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қозиқ лиқиллай бошлаганида, ердан чиқдими, осмондан тушдими, ишқилиб, биров қулоғини бураб тортди.* «Шарқ юлдузи». *Бекнинг асабийлиги ниҳоясига етди ва у Лаълининг сочидан бураб, теракзорга судраб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Айлантириб жойига туширмоқ, маҳкамламоқ ёки жойидан чиқармоқ, бўшатмоқ. *Гайкани бурамоқ.* ▬ *Дарвозадан ичкарига кириши билан, ғаладонни очиб, шурупларини бурашгани бурашган.* С. Нуров, Нарвон.

4 Пружинали механизмларни ҳаракатга келтирмоқ. *Соатни бурамоқ. Ўйинчоқни бурамоқ.* ▬ *Шу машинанинг қулоғини бурасанг, лаганча чир-чир айланиб, ашула, дутор, танбур ванғирлайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эрининг қўлидаги соатни олиб буради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кампир минди ёғоч отни, Буради пўлат мурватни.* «Муродхон».

Бураб гапирмоқ *с.т.* 1) ҳар сўзни алоҳида таъкид, акцент билан ажратиб гапирмоқ. *Элмуродга рота командири ёқмади: тили қалампирдек аччиқ, ҳар гапни писанда қилгандай бураб гапиради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Улар* [*қўноқлар*].. *бизнинг тилимизда сал бураб гапиришарди.* «Ёшлик»; 2) мақсадга мос равишда сўзламоқ. *Кейин чапанича бураб гапирди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. **Бураб емоқ** Зўрлик билан тортиб олиб емоқ. *Биров сўраб ейди, Биров бураб ейди.* Мақол. **Қулоғини** *(ёки* **думини)** **бураб қўймоқ** Тартибга чақириб, танбеҳ бериб қўймоқ. *Думини мундай бураб қўй, ортиқ акилламасин.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БУРАНГ I Буралган, эгри-бугри. *Буранг ёғоч.*

БУРАНГ II Қўй ва эчкиларда учрайдиган бир хил касаллик. *Мирзачўл, Оҳангарон, Қарши ва Ёзёвон чўлларида боқиладиган қўзи*

ва улоқлар кўпинча буранг деб аталувчи касаллик билан оғрийди. Газетадан.

БУРАНДА [*ф.* برنده – кесувчи, қирқувчи] Косибчиликда териларни кесиш учун қўлланадиган пўлат тиғли, ёғоч дастали асбоб.

БУРБОНЛАР *тар.* Ўрта асрларда баъзи Европа давлатларида ҳукмронлик қилган қироллар сулоласи.

БУРГА Сакраб юрадиган, қон сўрувчи, қанотсиз майда ҳашарот. *Бурга тутишга ҳам бармоқ ҳўллаш керак.* Мақол. ▬ *Шу пайт ўчакишгандек елкасида, кураклари остида чумолими, бургами ўрмалай бошлади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Бурга тепди Енгил, ўткинчи касалга дучор бўлди. *Бурга тепди, шекилли, врачларни пича безовта қилиб қўйдик.* «Муштум». *Қалай, тузукмисиз, анча-мунчага сўз бермас эдингиз, нима бўлди ўзи, ё бу сафар бурганинг каттаси тепдими, дейман-а?* Т. Ашуров, Оқ от. **Бурганинг кўзини кўрган** *салб.* Кўпни кўрган, пихини ёрган. *Бурганинг кўзини кўрган одам.* ▬ *Требенко ўз атрофига Пругло сингари бурганинг кўзини кўрган қаллобларни тўплай бошлади.* «Муштум». **Бургага аччиқ қилмоқ** Бирор нарсадан (кимсадан) аччиқланиб, ноўрин ҳаракат қилмоқ. *Кейин ҳам бургага аччиқ қилиб, олти яшар қизчасини қайнонасига қолдириб, турмуш қуриб кетган.* «Муштум». *Ахир бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдириш ярамайди.* Мирмуҳсин, Умид.

БУРГАН Мураккабгуллиларга мансуб бир йиллик бегона ўт. *Бурган босган ер. Бурган супурги.* ▬ *Ошқовоқ палаклари чирмашган қопқа ортида.. бурган ғовлаб ётибди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Ғайрат пахта аралаш ғўзанинг ҳидини туйди. Унга уватлардаги ёвшан, бурган иси қўшилиб кетди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

БУРГАНЗОР Бурган босган ер, майдон. *Хиёл этакларини қоқди-да, қўл силтаб, бурганзорга йўл олди.* И. Раҳим, Тақдир. *Бешинчи кун деганда арикча янтоқзор, бурганзор, баланд-пастликлардан ўтиб, эски изига тушди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БУРГУТ I **1** Қарчиғайсимонлар (лочинсимонлар) оиласига мансуб катта йиртқич овчи қуш. *Бургут – анча йирик, чаққон ва кучли қуш.* «Фан ва турмуш». *Халқимизда бургутнинг кучи – қанотида, одамнинг кучи – дўстлигида, деган гап бор.* Газетадан.

Бургут боқиш қилмоқ Таъсирчан, ўткир қараш қилмоқ, тикилиб қарамоқ. *Бобом бургут боқиш қилиб менга қарадилар.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 *кўчма* Йиртқич, ёвуз (одам ҳақида). *Ўзи мулойим кўрингани билан, чангалидан чаён ҳам омон чиқолмайдиган бургут бу қори!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Хотинларнинг эркига чанг солган бир бургутдан хайрли бир иш кутиш мумкинми?* Газетадан. *Мен кабутар бўлсам, ул бир бургутдир, Мен муштипар бўлсам, ул бир йигитдир.* «Маликаи айёр».

3 *кўчма* Жасур, қайтмас, эпчил. *Мирзо, сиз саркарда Ёқуббекнинг бургутлари билан сўл қанотда борсангиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Иш кўрсатмай ўлиш номард ишидир, Бургутларим, келиб бергин маслаҳат.* «Нурали».

БУРГУТ II *астр.* Осмон экватори атрофида Дельфин, Қавс, Далв юлдуз туркумлари оралиғида жойлашган юлдузлар туркуми.

БУРГУТОНА Бургутларга хос, бургутники сингари. *Эҳтимол, ҳамма вақт олиб, олдирмай келган бу соҳибчангалнинг биринчи бор юмшаб очилишидир. Қандайдир бир куч бу бургутона чангални очди.* Мирмуҳсин, Умид.

БУРГУТСИМОН Бургут каби; бургутга ўхшаш. *Анқақалъа харобаларининг бирида эрамизнинг 3-асрига оид бўлган, бошига бургутсимон темир қалпоқ кийган шоҳнинг расми солинган Хоразм мис тангаларидан иккитаси топилган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Кенг дала йўлларида учади бургутсимон.* Қ. Муҳаммадий.

БУРГУТСИФАТ Бургутга ўхшаш, мисоли бургутдек. *Қари чинор тепасида бургутсифат бўлиб турган Аҳмон девни кўриб, кўзидан ёши тирқираб кетди.* «Маликаи айёр».

БУРД [*ф.* برد – ютуқ, муваффақият; фойда] Ишончга сазоворлик, тайинлилик, ростлик; эътибор, обрў. *Ғийбатчининг бурди бўлмас, Туҳматчининг юзи бўлмас.* Мақол. ▬ *Нигора туҳмат гапларга ишонади: Шербек унинг учун бевафо, бурди йўқ.* С. Анорбоев, Оқсой.

Бурди йўқ Эътибори йўқ, ваъдасида, лафзида турмайдиган, гапига ҳеч ким ишонмайдиган, бетайин, бурдсиз. *Бурди йўқ одам. Халқ олдида бурчи йўқнинг бурди йўқ.* Р. Жуманиёзов, Сўз кўрки – мақол. **Бурди кетмоқ** (*ёки* **қолмаслик**) 1) эл олдида ишончни,

эътиборни йўқотмоқ, гапининг тайини қолмаганлик. *-Менга қара, — деди Ражаб бобо [Ҳожиматга], — бир бурдинг кетгандан кейин, ҳеч ким сени одам қаторида кўрмай қўяди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Сўз бердингми, уни, албатта, бажариш керак. Йўқса, бурдинг қолмайди.* С. Кароматов, Бир томчи қон; 2) мазаси, баракаси кетмоқ, яроқсиз бўлиб қолмоқ. *Ҳосил мўл, тобида силос қилмасак, шираси камайиб, бурди кетади.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Қишлоқдаги кўпчилик иморатлар эскириб, бурди кетиб қолган, бундай ёмғирларга бардош беролмас эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Фотима опа унинг бурди кетиб қолган йиртиқ ботинкасини эски чўтка билан мойламоқда.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

БУРДА [*ф.* برده — кесилган, бўлинган] Кичик парча, бўлак (нон, гўшт ва ш.к. ҳақида). *Бир бурда патир. Кўпчилик бир муштдан урса, ўлдиради, бир бурдадан берса, тўйдиради.* Мақол. ▬ *Эрталаб туриб, бир бурда нон билан бир пиёла қатиқ ичдим, кейин қайнатамникига жўнадим.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Мана, гўжа ҳам тайёр: унда на ёғ бор ва на бир бурда гўшт.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мана, кўринг, кўйлакларини бир бурдадан қилиб ташлабди-я!* «Шарқ юлдузи».

Бир бурда бўлиб қолмоқ Озиб-тўзиб, жуссаси кичрайиб, ожиз бўлиб қолмоқ. *-Рустам ака, Азизани шу кунда кўрсангиз, бир бурда бўлиб қолди, — деди ачиниб Муҳаббат.* В. Ғофуров, Вафодор. *Саид отасининг елкалари чўкиб, юзлари бир бурда бўлиб қолганини пайқади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. **Бир бурда ер (тоғ** ва б.**)** Кичик ер парчаси. *..бир бурда тоғ қуласа, бутун бошли қишлоқ аҳолиси табиатнинг бу бебошлигидан танг қоларди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. **Бир бурда одам (юз** ва б.**)** Жуссаси кичик, ожиз, озғин одам. *Энди у бутун умидини ҳали кўзларини очмаган бир бурдагина қизалоққа қўйган.* Ё. Хаимов ва М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *..бобо айвон пешига омонатгина чўнқайиб, хотинининг бир бурдагина сўлғин юзига тикилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. **Ҳам хўрдани, ҳам бурдани урмоқ** Унисидан ҳам, бунисидан ҳам баравар манфаатдор бўлмоқ, фойдаланмоқ ёки ҳам емоқ, ҳам олиб кетмоқ (олғир одам ҳақида). *Айниқса, фартуқли кишиларнинг серсоқоли ҳам хўрдани, ҳам бурдани урадиган кўринади.* «Муштум».

БУРДА-БУРДА *такр. с.* Парча-парча, бурдаланган, парчаланган. *Бурда-бурда нон.* ▬ *..чопонларим бурда-бурда бўлиб, ҳушимдан кетиб қолдим.* Газетадан. *Фалокат боссин-да, йўлинг тўсилсин, Бурда-бурда сенинг гўштинг узилсин.* «Ҳасанхон».

Бурда-бурда қилмоқ 1) парча-парча, тилка-пора қилмоқ. *Яна не маломатларинг бор, эй яратган эгам, бор бўлса, ташла бошимга. Танамни бурда-бурда қил!* «Ёшлик». *Жанна.. Ҳафизанинг кулиб турган суратини бурда-бурда қилиб, корзинкага ташлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Отаси ўлгандан кейин, кўрпа-ёстиқ ва энгилларини бурда-бурда қилиб, титкилаб қарасалар, қирқта қизил тилла йўқ эмиш.* «Луқмони Ҳаким»; 2) *кўчма* вайрон қилмоқ, пора-пора қилмоқ. *[Низомжон] Танини зирқиратган, юрагини бурда-бурда қилган кечмишини эслади.* С. Аҳмад, Уфқ.

БУРДАЛАМОҚ Бўлак-бўлак қилмоқ, парчаламоқ, тилка-пора қилмоқ. *Нонни бурдаламоқ. Қоғозни бурдаламоқ.* ▬ *У ҳай-ҳайлашимга қарамай, қатламадан иккитасини бурдалаб, олдимга суриб қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Акамни, Худойқулни еган бўри энди бизларни ҳам шу ерда бурдаламоқчими?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёнаётган бағрини қандай қилиб совитса экан?! Ҳеч совитиб бўлмайди! Девордан Ҳафизанинг суратини олиб бурдаласинми?* Мирмуҳсин, Умид.

БУРДА-СУРДА Парча-пурча, бўлтак-сўлтак. *У чой билан қотган бурда-сурда нон ва баъзан салқит ошлар билан менинг парваришимга бошлади.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Хотин сандал устидаги шира томган дастурхондан бурда-сурда нон, мураббо юқи пиёлаларни йиғиштириб олади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

БУРДЛИ Ваъдасида, сўзида турадиган, бурдини, эътиборини йўқотмаган, ишонса бўладиган, тайинли. *Бурдли одам.* ▬ *Мана шу ёмон бўлди, чунки Пўлатовнинг унга бундай муносабатда бўлиши Баратнинг бурдсиз гапларини бурдли қилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Унинг суратини дарров олардим. Лекин ишчан, бурдли бошлиқ деб эмас, мақтанчоқ, ваъдабоз сифатида.* «Муштум».

БУРДСИЗ Ваъдасида, сўзида турмайдиган, ишониб бўлмайдиган; бетайин, бебурд. *-Эл орасида [Маҳмуд] бурдсиз экан, ваъдасида турмабди, деган сўз бўлади, — деди*

Камол. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *..сурбет, юлғич, текинхўр, бурдсиз.. маишатпарастларнинг пўстагини қоқишда сатира, юмор жанрларидан фойдаланиш керак.* «Муштум».

БУРЖ [*а.* برج — минора; қалъа; юлдузлар туркуми**]** **1** *астр.* Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракати доирасидаги ўн иккита юлдузлар туркуми; уларнинг ҳар бири (**Ҳут, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадй, Далв**). *Туркий халқларда ойларнинг номи ҳам бурж номидан олинган..* «ЎзМЭ». *Тақсиримнинг юлдузлари Қавс буржига кирди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Қалъа деворига туташтириб, унга тиргак сифатида ташқи томонидан минора шаклида қурилган қўшимча бино. *Девор бўйлаб ҳар 60 метрда бурж бино қилинган.* «Фан ва турмуш». *19-асрда бунёд қилинган қалъа деворлари кўплаб буржлар билан мустаҳкамланган.* «Фан ва турмуш». *Шу пайт қалъа буржида пайт пойлаб ўтирган бир курд мерган уни аниқ нишонга олди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

3 Бурчак, бурч. *Насиба боғнинг.. анор кўчатлари ўсаётган ўнг буржини кўрсатди.* «Ёшлик». *Бугун ҳар буржингдан, ҳар бир тошингдан Фақат дўстлик деган садо келади.* А. Орипов, Йиллар армони.

БУРЖУА I [*фр.* bourgeois — шаҳарлик] Буржуазия синфига мансуб киши, буржуазия синфининг вакили.

БУРЖУА II *с. т. от* Буржуазия. *Майда буржуа. Буржуа маданияти. Буржуа матбуоти.* ▬ *Савдо-сотиқни ривожлантиришни кўзлаган Исломхўжа ёш миллий буржуа вакилларининг йўлбошчиси эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

БУРЖУАЗИЯ [*фр.* bourgeoisie — шаҳарликлар] Савдо-сотиқ, саноат, кредит-молия каби тадбиркорлик фаолияти орқали фойда олувчи капитал эгаларининг ижтимоий синфи — асосий ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи ҳоким синф, капиталистлар. *Экранда миллий буржуазиянинг турли бўғинларига мансуб бўлган образларни кўрамиз.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари. *Мен илк буржуазия реализмининг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётибман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БУРЖУАЧА Буржуаларга ва буржуазияга оид, буржуаларга ва буржуазияга хос бўлган. *Буржуача ҳаёт. Буржуача тартиб-қоидалар. Буржуача ишлабчиқариш усули.*

БУРЖУЙ *с. т. айн.* **буржуа**. *-Буржуйлар дедингизми? У нима тағин? — деди Шокир ота. -Ўрислар бойларни буржуй дер экан, — деди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ботирали шу ердан биринчи марта буржуй, капиталист деган гапларни эшитди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

БУРИЛИШ 1 Бурилмоқ фл. ҳар н. *[Сидиқжон] ..чапга бурилиши билан пастқамликдаги Бақақуруллоқ яққол кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Йўл, дарё ва ш. к. нинг бурилган жойи, муйилиши. *Анвар, бурилишга етганда, ўзидан ўн қадам орқадаги ҳамроҳини кутиб турди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бурилишда автобус кўринди.* «Ёшлик». *Кетмонтепадан бу ёғига Норин дарёси минг бурилишлардан ўтиб, минг бир пастликларга бош уриб, кўтарилиб, қутуриб келади.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Ўзгариш, янгиланиш, янги босқичга ўтиш. *Бола етти ёшга тўлиб, мактабга борган йили унинг хулқ-атворида бурилиш пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш». *Эндиликда Ер ҳақидаги фанларда ҳам кескин бурилиш рўй бермоқда.* «Фан ва турмуш».

БУРИЛМОҚ 1 Бурмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ўнгга бурилмоқ.* ▬ *Жаҳон ўрнидан турди-да, эшикка қараб бурилди.* «Ёшлик». *Извош кўчадан ўтгач, ўнгга бурилиб, тўхтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ўгирилмоқ, ўгирилиб қарамоқ. *Қизча ётсираб, қовоғини солиб, тескари бурилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳокимнинг кўзи хотин томонга бурилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Сигир ўқтин-ўқтин ёнига бурилиб, бузоқни ялар, пишилларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *с. т.* Араз қилмоқ, араз қилиб тумшайиб олмоқ. *Уят эмасми, келин? Кеча келдинг сурилиб, бугун кетгин бурилиб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Кўпинча сув ташийдиган одам топилмай, сувсиз ўтирамиз,— Нури яна бурилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Лаби бурилмоқ Йиғламсирамоқ. *Бола онасига кўзи тушиши ҳамон, беланган оёққўлини питиллатганча, бўшатишга уринди. Бироқ уддасидан чиқолмагач.. лаблари бурилиб, йиғлаб юборди.* «Ёшлик».

БУРИМ Бурилиш жой, бурилма. *Тоғ тепасига яқинлашганимиз сайин йўл тобора*

қийинлашади, ҳатто буримлар ҳам анча нишаб ва тик эди. М.М.Дўст, Лолазор. *Катта буримда сув кўпиради, тўлқинлар илондек тўлғаниб, қирғоққа ёпишади.* «Ёшлик».

БУРИШИҚ *қ.* **бурушиқ**. *[Шокир ота] Эти суякка ёпишган, чувак юз ва пешонаси чуқур чизиқлар – буришиқлар билан қуюқ қопланган камсоқол кекса эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Онаси буришиқ бармоқлари билан жигарранг кўйлагининг этагини текислаб ўтираркан, индамади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

БУРИШМОҚ I *айн.* **бурушмоқ** (юз, қўл ҳақида).

БУРИШМОҚ II **Бурмоқ** фл. бирг. н. *Улар аравани ўнгга буришди. Йигитлар гапни бошқа ёққа буришди.* ▬ *-Вой, қочмаган анойией! – қизлар лаб буришди.* М. Мансуров, Ёмби.

БУРИҚМОҚ 1 Димиқиб ёки буркалиб терга ботмоқ. *Бола бешикда буриқиб кетибди.*

2 *айн.* **буруқсамоқ**.

БУРКАМОҚ 1 Бирор нарса билан бекитмоқ, ўрамоқ ёки ўраб қўймоқ. *Кумушбиби онаси билан бувисининг уйдан чиқишлари ила бошини сандалнинг кўрпасига буркаб, ётиб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар доим юзини рўмоли билан буркаб юрадиган Адолат ҳозир ҳеч кимдан тортинмай, дадил борар эди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Бирор очиқ жойини қолдирмай, батамом ўраб, қоплаб олмоқ. *Ҳавони булут буркади. Ҳамма ёқни чанг буркаб олди.* ▬ *Кеча ёға бошлаган қор ҳадемай атрофни оппоқ чойшабга буркаган эди.* С. Зуннунова, Олов.

3 *кўчма* Тўлдирмоқ, қопламоқ. *Ўлкамизни боғларга, бўстонларга, гулзорларга буркайлик.* ▬ *Тоғ этакларидаги жилғаларда баҳор суви тошиб, водийни яшил либосга буркади.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Бағишладинг меҳру муҳаббат Ва умримни буркадинг нурга.* Р. Бобожон, Танланма. *Турмушни қувноқ, хушчақчақ қилишимиз керак, гулрайҳонларга буркашимиз керак.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Шон-шуҳратга буркамоқ Донг таратмоқ, машҳур бўлмоқ; шарафламоқ. *Зиёев улуғ ғалабага муносиб ҳисса қўшиб, ўзини шоншуҳратга буркади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

БУРКАНМОҚ Бирор нарса билан бекинмоқ, ёпинмоқ ёки қопланмоқ. *Кўрпага бурканмоқ. Шаҳар байрам либосига бурканди. Осмон булутларга бурканди.* ▬ *Кумушбиби бир неча фурсатгача шу куйи бурканиб ётди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғузор адирлари бу йил ҳам ям-яшил либосга бурканди.* «Ёшлик».

БУРЛОҚ [*р.* бурлак – шовқин солувчи, қичқирувчи] Денгиз ва дарё қирғоқларида туриб, кемаларни арқон ёрдамида судраб юргизувчи ёлланма деҳқонлар. *Бурлоқларнинг чеҳраси сарғиш, Арқон судрар, қалби тўла роз..* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Балки жонланарди қанчалар тилак, Балки бурлоқларнинг оҳи солар из..* Мирмуҳсин.

БУРМА 1 *сфт.* Буриб-буриб ишланган, бурмалаб тикилган; бурмали. *Бурма юбка. Кўкрак бурма кўйлак.* ▬ *Эрта билан суянаман дарахтга, Бурма кўйлак ярашади билакка.* «Қўшиқлар». *Сочларинг сумбулдир, попугинг бурма.* «Гулшанбоғ». *Отингнинг қамчиси бурмадан бурма.* «Қўшиқлар».

2 *от* Шу хилдаги кийимнинг, нарсанинг бурилган, бурмаланган жойи. *Кўйлакнинг бурмаси.* ▬ *Айиқдай қўпол, тепакал директор лоқайд диплом варақлайди-ю, кўйлагининг бурмасидан кўз узмасди.* «Ёшлик». *Кўйлак бурмаларини туртиб турган кўкраклари қисқа-қисқа нафас олганидан тинмай қалқирди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Бураб ишлатиладиган, бураб очадиган. *Осмонга қарасам парча булутлар, Парчанинг ичинда бурма калидлар.* «Қўшиқлар».

4 *от. геол.* Ер қобиғининг қатланган жойи.

БУРМАБЕЛ *сфт.* Бел қисми бурмалаб тикилган. *Қирмизхон аввалгидан ҳам очилиб кетган: эгнидаги келинлар киядиган оппоқ бурмабел парча кўйлакнинг этаклари ерда судралиб келар, қўша-қўша узукли қўллари дуркун кўксида қовуштирилган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

БУРМАБЎЙИН *зоол.* Қизилиштонлар туркумига мансуб, бўйни пармадек бураладиган қуш. *Бурмабўйин чумолилар, ўсимлик ширалари ва б. ҳашаротлар билан озиқланади.* «ЎзМЭ».

БУРМАЛАМОҚ Бурмалар ҳосил қилмоқ, бурмалар ҳосил қилиб тахламоқ, тикмоқ.

БУРМАЛАНИШ *геол.* Ер пўстининг узун, чуқур чўкмаларида ёки уларнинг айрим қисмларида қатламларнинг эгилиши ва дарзлик, узилмаларнинг пайдо бўлиши. *Бурмаланиш фазаси.*

БУРМАЛАНМОҚ Бурмаламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Бу тоғ жинслари геологик тарихда ер ости кучлари таъсирида бир неча бор турли йўналишда бурмаланган.* Газетадан. *Чўл бурмаланган наматдек нотекис.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

БУРМАЛАШ 1 Машинасозлик, қурилиш ва б. соҳаларда тахта (лист) материалларнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида уларни тўлқинсимон ва шокиладор қилиб ясаш.

2 Тикувчиликда асосан аёллар кийимларида бурмалар ҳосил қилиб тикиш. *Кўйлакни бурмалаш.*

БУРМАЛИ 1 Бурмаси бўлган, бурма қилиб тикилган. *Жўрахоннинг барваста гавдаси, кўкраги бурмали ҳаворанг чит кўйлагини тўлатиб, тошиб кетгудай кўпириб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўйлаклари бурмали, Қоши, кўзи сурмали Қайнонасига бир салом.* «Қўшиқлар». *Бинафшахон бурмали кечки кўйлакда, сочлари паришон, эшик ёндорига суяниб турарди.* М.М.Дўст, Галатепа қиссалари.

2 Бурма ҳосил қилган, бурмаланган. *Мушукда мия ярим шарининг сирти бурмали бўлади, бу билан мия пўстлоғининг сирти кенгаяди.* «Зоология».

БУРМА-СУРМА Сербурма, бурмаси кўп. *Кийимни жуда қунт билан бурма-сурма, сертугма қилиб тикадилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БУРМАҚОРА *бот.* Кўкноригуллилар оиласига мансуб бир ёки бир неча пояли, туганак илдизли кўп йиллик ўсимлик.

БУРМОҚ 1 Ҳаракат йўналишини ўзгартирмоқ, бир томонга қайирмоқ. *Чавандоз отини орқага буриб, сув оқимига қараб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Асрор кўп ўйлаб ўтирмай, йўлни Қамариддинникига бурди.* «Ёшлик». *Агар сув шу қияликдан оқадиган бўлса, уни тўсиб ҳам, буриб ҳам бўлмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Бирор томонга ўгирмоқ, қаратмоқ. *Салимбойвачча аччиқланиб, юзини тескари бурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жаҳонгир бу қарашга дош беролмай, юзини бурди.* «Шарқ юлдузи». *Домла бўйнини шартта буриб, Элмуродга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Беш-олти қари сигир тумшуғини буриб, ётган ерида думини ликиллатиб қўя қолди.* «Муштум».

3 *кўчма* Йўналтирмоқ, қаратмоқ; оғдирмоқ, мойил қилмоқ. *Ёш кўнгилнинг майлини Ишга бураман.* Ғайратий. *Нима қилай, узоқ гапирдим, Тушунчангни ҳар томон бурдим.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

Гапни *(ёки* **сўзни) бурмоқ** 1) фикрни чалғитиб, гапни бирор бошқа мавзуга кўчирмоқ. *Мулозамат шу ерга етганда, Раззоқ гапни бошқа ёққа буриб юборди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *..қизлар бирпас жим бўлиб қолишди. Кейин Ўрозгул опа гапни буриб кетди.* «Ёшлик». *Отахўжа ака отанинг сир бериб қўйишидан чўчиб, гапни бурди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина; 2) фикрни бутунлай бошқача талқин қилмоқ, бошқача англамоқ. *Сўзимни бурманг, Раҳимжон ака! Бу номардлик бўлади!* О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

4 Бурмаланадиган нарсани ёйиқ ҳолидан бурма ҳолига келтирмоқ, йиғмоқ. *Халтанинг оғзини бурмоқ.* ▬ *Зиёдахон.. қопнинг оғзини яна буриб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Айлантирмоқ, бошқармоқ. *Машина рулини буриб, Тонна тўкар Қизларой.* «Қўшиқлар».

6 Сиқмоқ; чимчиламоқ. *Қўлини бураббураб олди.* ▬ *Олтин узук бармоғимни буради, Бир йигит бор йўлларимда туради.* «Қўшиқлар».

Бўйин бурмаслик Итоаткорлик, бўйин товламаслик, тобелик. *Сиз, устод, бир нима десангиз, биз бўйин бурган эмасмиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..буларнинг барчаси бойваччанинг етовига ҳеч бўйин бурмай юришади.. унинг зулм болтасини қайраб беришдан чарчашмайди.* К. Яшин, Ҳамза. **Лабини бурмоқ** 1) бирор иш-ҳаракат, гап-сўз, имо-ишора ва б. ни маъқулламаганлик, ёқтирмаганликка ишора қилмоқ. *Хотини қалин бўялган лабларини асабий бурди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ойим ишонмай, лабини бурди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Абдишукур «шу ҳам гапми» дегандай, лабини бурди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) йиғламсирамоқ.

БУРНАКИ *қ.* **бурунаки**.

БУРНОҒИ 1 Ўтган йил (ой, кун, ҳафта)дан олдинги. *Бурноғи кун. Бурноғи ой.* ▬ *Бурноғи йили теракка ўн хил атиргул пайванд қилган.* С. Аҳмад, Суд. *Бурноғи йили отаси безгак билан оғриб қазо қилганидан бери рўзғор Абду Сирожнинг ёш бошига тушиб қолди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Бурноғи қиш-*

нинг охирлари эди. Мен қандайдир юмуш билан, эшикни тақиллатмасдан, беканинг уйчасига кирдим. «Ёшлик».

2 *кам қўлл.* Бурун яшаб ўтганлар, бурунгилар. *Бурноғилар масалидурки, бўлар ишнинг бошига, яхши келур қошига.* Гулханий, Зарбулмасал.

БУРОВ 1 Бураш, айлантириш.

Бурови кам Етарлича буралмаган (соат, патефон сингари пружинали нарсалар ҳақида).

2 Уй ҳайвонларининг тумшуғига солинадиган сиртмоқ. У *ҳар инграганда, Сотиболди, чаккасига буров солинган кишидай, талвасага тушар эди.* А. Қаҳҳор, Бемор. *Исломбой жони жаҳони ўртаб бораркан, икки чаккасига буров солингандек, бошида оғриқ қўзғалганини сезди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

3 *кўчма* Авж, сиқув. *Менинг деҳқон бобом, андак ором ол, Қуёш буровига олган палла бу.* А. Орипов, Йиллар армони.

4 *кўчма* Қучоқ, қуршов. *Шу азоблар буровида ўтирганида, эшик очилиб, аввал даволовчи врач, сўнг.. Нозима кириб келди.* «Ёшлик».

Оғзига (*ёки* **тилига) буров солмоқ** Гапириш имкониятидан, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқ, гапиртирмай қўймоқ. *-Ҳунармандларнинг оғзига буров солиб қўймоқ керак экан, — деди у [хон] кўзини чақчайтириб.* М. Осим, Элчилар. *Муаллим, тилига буров солингандек, қаққайганича туриб қолди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

БУРОМАД [*ф.* برآمد — чиқиш; харажат, чиқим] Чиқим; сарф-харажат. *зид.* **даромад.** *Даромадга қараб буромад.* Мақол. *Буромад бўлмаса, даромад бўлмас.* Мақол. ▬ *Саврихон узун даромаднинг буромадини эшитиб, гангиб қолди.* «Ёшлик».

Гапнинг буромади Гапнинг хулосаси, якуни. *Гапнинг буромади шуки, сенинг гапларинг менга ёқмади.*

БУРОҚ [*а.* براق — ярқироқ] **1** *дин.* Меърож кечаси Муҳаммад пайғамбарнинг Қуддусга бориши ва у ердан осмонга кўтарилиши учун худо томонидан юборилган қанотли от.

2 *кўчма* Учқур от. *Қувонибон миндим деб яхши буроқ, Кетай десам, отамнинг юрти йироқ.* «Бўтакўз».

БУРРО [*ф.* بُرّا — кесувчи, кескир; ўткир] **1** Кескир, ўткир. *Дўпписини олиб кел десангиз, ахир биз жаллод.. қиличи бурро.. кимнинг ажали етса.. бошини кесиб келтирамиз-да!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Қиличим ўткир, тиғим бурро, ҳукмингизни бажо келтираман..* «Луқмони Ҳаким».

2 *кўчма* Аниқ-равшан, бийрон, ўткир. *Бурро гап. Тили бурро одам. Ўринсиз ҳақорат соқовни бурро қилар.* Мақол. ▬ *Ҳар қандай шер юрак, ҳар қандай бурро тил ҳам муҳаббат сўзларини изҳор этишга ожизлик қилади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Токи ул фармон қўлга кирмас экан, Исломхўжанинг тили бурро, мартабаси зиёда.* С. Сиёев, Ёруғлик.

БУРРО-БУРРО *рвш.* Ғоят аниқ-равшан; бийрон-бийрон. *Севарагул ҳовлига чиқаркан, чиндан ҳам ҳализамон бурро-бурро гапириб юборадигандек.. аста-секин ғўлдираб қўйди.* «Ёшлик». *Гаплари бурро-бурро. Ундай-бундай даврада оғзидагини олдирмайди.* «Ёшлик».

БУРРОН [*ф.* بُرّان — кесувчи, кескир; ўткир] *айн.* **бурро 1**. *Қасос найзасини қайранг, полвонлар, Нафратингиз бўлсин тиғи бурронлар.* Миртемир, Асарлар.

БУРСИТ [*лот.* bursa — халтача] Айрим юқумли касалликлар ёки шикастланишлар туфайли бўғим шиллиқ халтачасининг ўткир ёки сурункали яллиғланиши.

БУРТ *кам қўлл. айн.* **мурт.** *Ҳеч ким уят қилмайди, буртингни болта кесмайди, бошингда ёнғоқ ҳам чақилмайди.* С. Нуров, Нарвон.

БУРУЛ Холдор, кўкиш (от туси ҳақида); шу тусдаги отнинг ўзи. *Бурул от.* ▬ [*Абдужалил бой*:] *Бўлмаса, бурулни тўқимлаб келтир.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Фозил бахши от жиловини бир бора бурмаса-да, бурул таниш хонадонни бемалол топиб боради.* «Ёшлик».

БУРУН I (*3-ш. бирл.* **бурни**) **1** Ҳидлаш, ҳид билиш аъзоси; шу аъзонинг ташқи қисми. *Қирра бурун. Қийғир бурун. Бурун катаги. Ўртада бурун бўлмаса, кўз кўзни ўяр.* Мақол. ▬ *Шарофатнинг юпқа лаблари кўкариб пирпиради, бурни оқариб, катаклари керилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Искандар, ёмон ҳид келгандай, бурнини жийириб, ошхона тарафга қаради.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Унинг бурун ва юзлари совуқдан қипқизариб кетган.* С. Зуннунова, Олов.

2 с. *т.* Жўмрак. *Чойнакнинг бурни.*

3 Қулфнинг калит солинадиган тешиги. *Нури бугун Гулнорнинг уйини холи топиб, калити бурнида унутилган бир қутини очди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хайрият, эшик-*

нинг калити бурнида қолган экан.. С. Аҳмад, Сайланма.

4 Кеманинг олд қисми, тумшуғи. *Темур Малик энг олдинда бораётган кемада эди, у икки қават совут ва дубулға кийиб, кема бурнига чиқди.* М. Осим, Темур Малик.

Аччиғи бурнининг учида *қ.* **аччиқ 7. Бурни билан гапирмоқ** *(ёки* **куйламоқ)** Димоғи билан гапирмоқ (куйламоқ). *У [Собирахон] нима тўғридадир ўйлар, ихтиёрсиз бўлса керак, аллақандай ҳазин куйни бурни билан куйлаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Бурнига сув кирмоқ** Ақли кирмоқ, мақсадидан воз кечмоқ. *Бу қандай гапки, ахир, ҳали ҳам Ҳамзахоннинг бурнига сув кирмабди. Мактабни шариат номи билан неча бор боғладик, у ўзбошимчалик билан қайта очаверди.* К. Яшин, Ҳамза. *У топган-тутганини.. қиморга ютқазиб, ўйиндан чиқди, унинг бурнига эрта сув кирди.* «Ёшлик». **Бурнидан ип ўтказиб олмоқ** Ўз домига тушириб, тамоман қўлга олмоқ, ўз измига солиб олмоқ. *Болагинамга эга чиқиб, бурнидан ип ўтказиб олди бу доғули.* «Муштум». **Бурнидан оша** *(ёки* **ортиқ)** **гапирмоқ** Бировга керагидан ошиқ, ёқмайдиган гап айтмоқ. *Дунёнинг жабру жафосини бошидан ўтказган. Ҳеч бир одамга бурнидан оша гапирмайди.* «Ёдгор». **Бурнидан тортса** (*ёки* **бурнига чертса**), **йиқилгудай** Ҳолдан тойган, рамақижон бўлиб қўлган. *Гавдасининг шундай катталигига қарамай, қандайдир узоқ касалдан турган одамдек, бурнидан тортса, йиқилай деб қолди.* Ойдин, Бечора. *Мана бугун ҳам илигидан дармони қуриб қайтди. Бурнига чертсанг, йиқилади!* Шуҳрат, Умр поғоналари. **Бурнидан чиқди** Татимади; зое бўлди. *Уриш эшитиб, ўйнагани ҳам бурнидан чиқди.* **Бурни кўтарилмоқ** Мағрурланиб, кеккайиб кетмоқ. *Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бурнини тишлаб қолмоқ** Армонда қолмоқ. [*Гулнор*:] *Бу ҳужрага бошлаб келдингиз, менга жуда ёқди, энди уйга қайтиш йўқ, Мирзакаримбой бурнини тишлаб қолсин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бурни ҳам қонамади** *қ.* **қонамоқ**. **Буруннинг тагида** *(ёки* **остида**) *с.т.* Олдигинасида, ёнгинасида. **Бурун суқмоқ** *(ёки* **тиқмоқ)** Ўзига алоқаси бўлмаган ишларга аралашмоқ, қотишмоқ. *Олимхоннинг «фазилатлари» саноқсиз: у, элликбоши бўлгани учун, ҳамма тўй, маъракаларга бурнини тиқади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Икки қўлни бурнига суқиб** (*ёки* **тиқиб**) 1) қуруқ; ҳеч нарсасиз. *Эртаси кун ёки шу кун кечасиёқ икки қўлларини бурунларига тиқиб.. хўжайинларининг ҳузурига борадилар.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) қуруқ; бенасиба. [*Йўлчи*:] *Ман кучимни, теримни тўкай, фойдасини сояпарвар бойлар кўрсин, ман икки қўлимни бурнимга тиқиб қолаверай! Қани инсоф!* Ойбек, Танланган асарлар.

БУРУН II [*3-ш бирл.* **бурни**] *геогр.* Қуруқликнинг сув ҳавзасига кўпроқ туртиб кирган чўзинчоқ қисми. *Челюскин бурни.* ▬ *Жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб, жануб биқини маълум Чақар суви билан, ғарби Бўзсув ва Кўкча ариғи билан ўралган бурун.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БУРУН III **1** *рвш.* Илгари, илгариги, ўтган вақтларда. *Аҳвол бурун қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эмас.* ▬ *Мана бу жойлар бурун Абдуваққос деган бир кишига тегишли экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бурунлари Илгарилари, илгариги замонларда. *Эл-юрт бошидаги оғир кулфатни.. бурунлари, фақат камбағалчиликдан деб билиб, бундан нарисини кўрмай келган бўлса, энди — о, йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *рвш.* Олдин, илгари, муқаддам. *Яхши хотин кулмасдан бурун кулдирар, Ёмон хотин ўлмасдан бурун ўлдирар.* Мақол. *Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун ўрасан.* Мақол. ▬ *Элмурод Ғани Мардоновнинг сўнгги хатини бир ҳафтача бурун олган бўлса ҳам, жавоб ёза олмаган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўм. (ч. к. билан)* Муайян воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бораётган пайтдан олдин бўлганлигини билдиради. *Бундан беш йил бурун. Бундан сал бурун. Иш мўлжалдан ўн беш кун бурун бошланди.* ▬ *Эрта билан, офтоб чиқмасдан бурун бойнинг ҳовлисида икки арава тайёр бўлди.* С. Айний, Қуллар.

Ҳаммадан бурун 1) энг аввал, дастлаб, биринчи бўлиб. *Золотарёвка қишлоғига Аҳмаджон ва унинг бўлинмаси ҳаммадан бурун кириб борди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) биринчи галда, биринчи навбатда, аввало. *Ҳаммадан бурун шу масалани ҳал қилиш керак.* ▬ *Ҳаммадан бурун шартига тўғрилаб, байроқни осмонга кўтариб қўйганингни қара.* М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат. **Элдан бурун** *қ.* **эл**.

БУРУН IV Дегрезликда ишлатиладиган, дўкон тарновларидан кирган шамолни кўмирга йўналтириш учун ясалган қуйма чўян мослама.

БУРУНАКИ 1 Доривор, наркотик ва ш. к. моддаларни кайф қилиш ёки даво мақсадида искаш.

2 Ўша мақсадда бурунга отиладиган, искаладиган моддаларнинг умумий номи. *Шу вақтда кимдир бурунаки отгандек, қайта-қайта апшурди.* Ойбек, Навоий. *Чол.. бармоғи орасидаги бурунакисини босиб-босиб ҳидлади.* «Ёшлик».

БУРУНГИ 1 Аввалги, илгариги, ўтмишдаги. *-Тағин нима дейсиз? -Ҳеч нарса демайман.. Лекин сиз икки йил бурунги Кумуш эмассиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўхтаев чамаси бир сония бурунги ғашлигини унутиб, савол берди.* «Шарқ юлдузи».

Бурунгилар Қадимги, ўтмишдаги одамлар, ота-боболар. *Бурунгилар.. югурганники эмас, буюрганники, дейишган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қадимий, кўҳна, эски. *Бурунги гап.* ▬ *Бурунги замонларда Ибн Сино, Луқмони Ҳаким ўтган. Улар ҳар бир касалга даво топган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бурунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар билан тенг.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Исмоил аканинг айтишига қараганда, бурунги замонда бойваччаларнинг жиловдор мулозимлари бўлар экан.* А. Мухтор, Танланган асарлар.

БУРУНГИДАЙ, -дек Аввал қандай бўлса, шундай; ўзгаришсиз, бурунгича. *Аҳвол бурунгидай. У бурунгидай хушчақчақ.* ▬ *Йўлда ўтган саргузашт унутилди. Икки ошна бурунгидай апоқ-чапоқ бўлиб, пивохонага кирди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

БУРУНГИЧА *айн.* **бурунгидай**. *Аҳвол бурунгича.* ▬ [*Зайнаб*] *Ўн оғизга бир оғиз сўз қайтармас, тинчгина, мулойимгина, яъни шундан бир йил бурунгича эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БУРУНДИҚ I Асов, тишлонғич туянинг ёки қопағон итнинг тумшуғига кийдириб қўйиладиган махсус тўр. *Асов нортуядай уриб бурундиқ, Ёввойи buқадай солғаймиз бошвоқ.* Миртемир, Асарлар. *Яйдоқ дала келганда, бурундиқни бўшатар.* А. Мухтор, Асарлар.

БУРУНДИҚ II *зоол.* Кемирувчилар оиласига мансуб бир хил ҳайвон.

БУРУНДОР 1 Бурни катта, катта бурунли. *[Ортиқ Холиқов] Пакана, гўштдор.. серқош, бурундор, бурнининг остида жиндак мўйлови ҳам бор эди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

2 *кўчма* Бурнини кўтариб гердайиб юрувчи, димоғдор.

БУРУТ (3-*ш. бирл.* **бурти**) *шв.* Мўйлов. *Қора бурти кўкка ўсган, бет қип-қизил.* Ғ. Ғулом. *Худо хоҳласа, Қайсари Румда амакиғинамнинг бурутини бундан кейин ҳам ҳеч бир болта чополмайди..* Н. Қиличев, Чиғириқ.

БУРУШГАН 1 Бурушмоқ фл. сфдш.

2 Ажин босган, серажин, бурушқоқ. *Лаълихон кампирнинг сўлиган олмадек бурушган юзидан ўпди-да, югурганча ювиниш учун уйга кириб кетди.* «Саодат». *Гугурт қутидай устма-уст жойлашган айвонларда хотинларнинг, кампирларнинг бурушган башаралари кўринди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БУРУШИҚ 1 *сфт.* Ажин босган, бурушган. *Йигит унинг букилган қаддида, бурушиқ юзларида оддий қарилик ожизлигини эмас, балки қуллик изтироби ва синган ғururнинг забунлигини кўрди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Суви қочиб қолган, бужмайган. *Бурушиқ олма.*

3 *от* Терининг, матонинг ва ш.к. нинг бурушган, тиришган жойи; бурма, қат. *Кийимнинг бурушиғи.* ▬ *Шокир отанинг юз бурушиқларида ғам мавжланган каби туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БУРУШИҚ-ТИРИШИҚ Жуда ҳам ажин босган, бурушиб, тиришиб кетган. *Скелет каби нуқул суякдан иборат бўлган кичкина хотин, бурушиқ-тиришиқ юзи — олқинди совун.* Ойбек, Танланган асарлар.

БУРУШМОҚ 1 Ажин билан қопланмоқ. *Янганинг бурушган, кесакранг чеҳраси ёришиб, супага, дастурхон тепасига келди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *У [Анзират хола] олтмишларга бориб қолган, нимжон, юзи жуда бурушган бўлса ҳам, қизил, товуши майин ва ёқимли бир кампир эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Болалардан кейин юзлари шафтолиқоқидай бурушган аллақандай митти кампирлар, мункиллаб қолган кўса чоллар кўринди.* О. Ёқубов, Излайман.

2 Бирор руҳий таъсир натижасида тиришмоқ, чимирилмоқ. *Унинг тишлари ғирчиллаб кетди, афт-башараси бурушди.* Ў.

Усмонов, Сирли соҳил. *Юзлари ташвиш ва қандайдир мажҳулият ҳисси билан бурушди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Қуришиб ёки тортишиб қат-қат бўлмоқ, бужмаймоқ. *Бурушиб қолган олма.* ▬ *Ҳаммадан Аҳмаднинг туриши аломат: бошидаги оқ қалпоғи эзилиб бурушиб кетгани учунми, афтини ошпазларга ўхшатиб юборибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

БУРУШТИРМОҚ **Бурушмоқ** фл. орт. н. *Ойимхон бу гапларни лабларини буруштириб, шундай бир оҳангда айтдики, ҳамма баравар кулиб юборди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БУРУШҚОҚ **1** Бурушган, бурушиқ. *Бурушқоқ олма.* ▬ *Кампир аллақандай бўлиб кетди.. тишсиз оғзи очилиб қолди, бурушқоқ лаблари титрай бошлади.* У. Назаров, Одамлар.

2 Бекорга, салга бурушиб, тиришиб қолаверадиган. *Бурушқоқ газлама.*

БУРУҚ: юрак *(ёки* **ич**) **буруғи** (*тўғриси:* **ичбуруғ, юракбуруғ**) 1) *айн.* **дизентерия**. *Келса хотиннинг уруғи, Топилади йўриғи, Келса эрнинг уруғи, Бўлар юрак буруғи.* Мақол; 2) *кўчма дағл.* мужмал одам.

БУРУҚСАМОҚ **1** Паға-паға бўлиб чиқмоқ, кўтарилмоқ (тутун, чанг ва ш. к. ҳақида). *Мўридан буруқсаб тутун чиқаётир.* ▬ *Баъзи уйларнинг мўриларидан буруқсаб чиққан кулранг тутун эринчоқлик билан осмонга ўрмаларди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Тутаб ёнмоқ, тутамоқ; қуюқ тутун чиқармоқ. *Самовар буруқсаб кетди. Хазон буруқсаб ёнмоқда.* ▬ *Олов, қора тутун буруқсаб турибди.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

3 Анқимоқ, гуркираб тарқалмоқ (ҳид ҳақида). *Сочингдан буруқсар эди сунбулнинг иси.* Ғ. Ғулом.

4 *кўчма* Ичдан чиримоқ, сасимоқ, инқирозга юз тутмоқ. *Мақсумжоннинг сўзидан қандайдир тутуриқсизликнинг ҳиди буруқсаб турибди.* Ғайратий, Довдираш.

5 *кўчма с. т.* Ножўя, бўлмағур гаплар гапирмоқ, алжимоқ.

БУРЧ I Адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа; мажбурият. *Ватанпарварлик бурчи. Виждон бурчи. Хизмат бурчи. Ҳарбий бурч.* ▬ *Оналик — хотин-қизларнинг энг муқаддас бурчи деб қаралади.* «Саодат». *Ерли халқ тилини билиш ўша яшаш жойини инъом этган маҳаллий халққа нисбатан инсоний бурч ва ҳурмат ҳамдир.* «Саодат».

БУРЧ II **1** *айн.* **бурчак 2**, **3**. *Казарма қоронғи, унинг бир бурчида кичкина чироғ милтиллар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шийпоннинг нариги бурчида эса Қобул Комилович соқолини қиртишлаш билан овора.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Чекка, чет. *Ошиқ-маъшуқларга дунёнинг нариги бурчи ҳам бир, оғайни.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Олдинги тишлари тушганидан, лабининг икки бурчи кириб, юзининг бурушиқлари билан туташиб кетган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бу Шарқ кичик эмас, бурчдан бурчига Аранг ярим кунда етади қуёш.* Ғ. Ғулом. *Биз тўқиган рўмолнинг Гуллари бор бурчида.* «Қўшиқлар».

БУРЧАК **1** *мат.* Бир нуқтада кесишган икки чизиқ (ёки нур) ҳосил қиладиган оралиқ, текислик; шундай текислик турли ҳодисалар ўлчови сифатида. *Бурчак даражалар билан ўлчанади. Тўғри бурчак. Ўтмас бурчак. Ўткир бурчак. Бурчак боши. Мўлжалга олиш бурчаги. Кеманинг курсдан оғиш бурчаги. Нурнинг тушиш бурчаги қайтиш бурчагига тенг.*

2 Нарсаларнинг томонлари, қирралари кесишган жой; бурч. *Дафтарнинг бурчаги. Столнинг бурчаги.* ▬ *Тўрт бурчагига кўк, бинафша, шафтолиранг ипаклар билан гуллар тикилган.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Хона, бино, ҳовли ва ш. к. нинг ички деворлари туташган жойи ва унинг атрофи. *Ҳовлининг бурчаги. Айвоннинг бурчаги. Қўрғоннинг бурчаги.* ▬ *У кўзларини бурчакка тикканича, қимирламай ўтирарди.* С. Зуннунова, Олов. *Мен ҳужранинг бурчагида турган қанордаги сомон устига чиқиб, донг қотиб ухлаб қолибман.* Ғайратий, Унутилмас кунлар. *Кампирнинг амру фармони билан уйнинг етти бурчагига етти шам ёқилди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

4 Кўчалар, йўлларнинг кесишган жойи; муюлиш, муюш. *Бизники мана шу бурчакдаги эшик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кўчма* Чекка, чекка ер, тараф, томон; овлоқ, панажой. *Дунёнинг у бурчагига боришга розиман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тоғнинг ҳар бурчаги ва ёнбағридан акс садо келиб, дарани ларзага келтирди.* С. Айний, Дохунда. *Ҳар зумда дунёнинг бурчакларига Хабарлар жўнайди қатор ва қатор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ҳасанни Сафарқул бир бурчакка олиб бориб, нима хусусидадир у билан гаплаша бошла-*

ганида, Қутбия учун тинч нафас олишга, озод гапиришга фурсат топилди. С. Айний, Қуллар. *Шу чоққача қайси бурчакда моғор босиб ётган эдингиз?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Саноқ сонларга қўшилиб, қўшма сўзлар ясайди, мас., *учбурчак, тўртбурчак, бешбурчак.*

БУРЧАКЛИ Бурчаги мавжуд. *Тўғри бурчакли учбурчак (мат.).* ▬ *Кампир Эргашнинг қўлидан уч бурчакли кўк конверт билан телеграммани олиб, бағрига босди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чол вафотидан уч кун ўтгач, у ётган жойдан, тупроқ ичидан уч бурчакли тумор топилди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

БУРЧАКТИШЛАР *зоол.* Танглай тишлари бурчак шаклида қайрилган думли амфибияларнинг бир тури.

БУРЧЛИ Бирор бурчи, мажбурияти бўлган; қарздор. *Мен сизнинг олдингизда бурчлиман.* ▬ *Муҳаррир ҳар куни газетага бир мақола ёзишга бурчли.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БУРЧОҚ Дони қора-қўнғир рангли, озуқабоп бир йиллик дуккакли ўсимлик ва унинг дони.

БУРЯТ(ЛАР) Бурятиянинг туб аҳолиси бўлган халқ, бурят халқи. *Бурят аёл. Бурят тили. Бурят санъати.*

БУРҚИМОҚ *айн.* **бурқирамоқ**. *Машҳадий кимдан ранжиса, ўша соатда бир ҳажв ила ўз «душмани»ни сўз балчиғига шундай булғайдики, ўқиркансан, энг чиркин ҳид бурқиб туради.* Ойбек, Навоий. *Узоқда, кўзга хира чалинган тепаликнинг орқасида қора, қуюқ тутун бурқиб, ҳавода оғир кезарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ертўланинг мўрисидан бурқиб, Тупроқ уюмларин оралар тутун.* А. Мухтор, Асарлар.

БУРҚИРАМОҚ 1 Паға-паға кўтарилмоқ, буруқсамоқ, бурқимоқ. *Мўридан бурқираб тутун чиқаётир. Бурқираб чанг кўтарилди.* ▬ *Телпаги тагидан қозон қайнаётгандай буғ бурқирайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қуёш уфқ қопқасида бурқираб ётган ғубор ичига кирди.* «Ёшлик».

2 Анқимоқ, гуркираб таралмоқ (ҳид ҳақида). *Ошхона томондан бурқираб сомса ҳиди келди.* Ойбек, Улуғ йўл.

БУРҚСИМОҚ *айн.* **бурқимоқ.** *Хиёл нарида оппоқ тўзон бурқсиб кўтарилди.* «Ёшлик».

БУРҚУТ(ЛАР) *этн.* Мўғулларнинг туркийлашган уруғларидан бири.

БУРҒИ *тех.* Кончиликда, геологик қидириш ва ш. к. ишларда ерни тешиш, пармалаш учун ишлатиладиган асбоб, парма. *Ер ости сувларидан турли мақсадларда фойдаланиш учун жумҳурият ҳудудида 40825 та бурғи қудуғи қазилган.* «Фан ва турмуш».

БУРҒИЛАМОҚ Бурғи билан ковламоқ, пармаламоқ. *Бурғилаш техникаси.* ▬ *Қазиш усулларига кўра бурғилаш зарбли, айланма, колонкали бўлади.* «ЎзМЭ».

БУРҒУ Карнай ёки сурнай шаклидаги қадимий чолғу асбоби. *Суғдлар ноғора ва бурғулар овози остида боғ-бўстонларига бостириб кирган ёвни аямай қиравердилар.* М. Осим, Искандар ва Спитамен. *Чамбилбелнинг энг бахтиёр кунида Бурғу чалиб, зар камарни сираман.* А. Шер, Қадимий куй.

БУС-БУТУН 1 Тўлиқ, бекаму кўст, бутун. *Бахтини бус-бутун топгунича то, Нене балоларни кўрган ўзбекман.* А. Орипов, Йиллар армони. *Фақат савоб борки, жаҳон бус-бутун, Фақат савоб борки, азиздир Инсон!* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *рвш.* Бутунлай, тамомила. *Ҳозирги Мирзачўлнинг рухсори бус-бутун бўлакча.* М. Жўра, Қуёшда нур эмганлар. *Шундан сўнг Обиджон билан алоқам бус-бутун узилиб қолди.* М. Жўра, Ноширнома.

БУТ I **1** Тўлиқ, ҳеч қандай камчилиги йўқ; бекаму кўст; етарли; таъмин этилган. *Уст-бошим бут, қорним тўқ, қайғум йўқ.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бердибойнинг ўз ҳунарларига тегишли бўлган ҳамма асбоблари бут.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Қорнинг тўқ, устинг бут, ношукурчилигинг бошингни ейди.* «Ёшлик». *Қуш қанотсиз учолмаганидек, машина ҳам ёқилғисиз ёки бирор қисми бут бўлмаса, бир қадам ҳам силжий олмайди.* «Муштум».

Имони бут 1) Оллоҳга, динга ишончи мустаҳкам; 2) виждонли, эътиқодли. *Тилагим: ёшлар асло завол топмасинлар, имонлари доимо бут бўлсин.* М.М.Дўст, Лолазор. **Кўнгли** (*ёки* **бағри**) **бут** Камчилиги йўқ, бахтли. *Назар акам етим ўсмаган, бағри бут одам, лекин шундай бўлса-да, негадир унга раҳмим келади.* М.М.Дўст, Лолазор. *Токи унинг [Муҳсиннинг] кўнгли бут бўлсин, умр дафтарига доғ тушмасин..* М.М.Дўст, Лолазор. **Нони бут** Тирикчилиги тўлиқ таъ-

минланган, рўзғордан камчилиги йўқ. *Нони бут кишининг сўзи ҳам бурро.* Ғ. Ғулом.

2 Синмаган, бутун, шикастланмаган, соғ. *Сўнг қўл-оёқларини ҳаракатлантириб кўрди. Шукур, аъзойи бадани зирқираб оғриб турса ҳам, суяклари бутга ўхшайди.* «Ёшлик». **Бут қилмоқ** Ўз ҳолига келтирмоқ, бутун қилмоқ. *Коса синди. Энди уни бут қилиб бўлмайди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *[Саидхон] Икки парчани бир-бирига улаб, бут қилиб кўрди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. **Тўрт (** *ёки* **чор) ишкали бут** *қ.* **чор.**

БУТ II **1** *с. т.* Икки оёқ ораси; чот. *Олақарғага етаман деб, чумчуқнинг бути йирилибди.* Мақол. ▬ *-Тезроқ юраверинг, Исомов, бутингиз йирилмайди, — деди Зумрад. Аёллар гуруллаб кулди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Ойим челакни бутига қистирганча, зириллаб турган елинга яна қўл чўзди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 *шв.* Оёқ, пут. *Наби Фарҳоднинг қўл-оёғига боғлаган оддий кишанни ечди ва бўғовли кишанлардан бирини олиб, унинг бути ва бўйнига урди.* С. Айний, Қуллар. *Зўр деган девлар йиқилиб қолди, Икки бути товдай бўлиб.* «Маликаи айёр».

БУТ III [*ф.* بت — санам; гўзал] *дин.* **1** *айн.* **санам.** *Бу йўллар кўп қадим йўллардир, Конфуций, шомоний, ислом ва будда, Бут ва тасбеҳ юкланган карвон.* Ғ. Ғулом. *Балки у Буддани бутга алишмас, Космос мўъжизасин англамас балки..* А. Мухтор, Асарлар.

2. *с. т.* Хоч (крест) шаклидаги нарса; хоч, салиб. *Отряднинг ўликларини тўплаб, қайинзордаги қабристонни ёғоч бутлар билан тўлдириб кетишдан бошқа иложи йўқ эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

БУТА [*ф.* بوته — бута, бутазор; нақш, расм] **1** Тагидан шохлаб ўсадиган майда пастак дарахт. *Пича юришгач, уларнинг кўзларига қалин ўт ва сийрак буталар ўсган катта сайҳонлик очилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Канизак Сидиқжонни пастга, буталар орқасига тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тўнгак орқасидан қулоқлари диккайган қуён пайдо бўлди-да, коптокдек сакраб, буталар орасига яширинди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Ўзбек халқ амалий санъатида кўпинча бир тутам ўсимлик гулини ифода этувчи нақш.

БУТАДОР Миллий зардўзликда кийимга гулдасталар ёки буталар шаклида тикиладиган гул шакллар.

БУТАЗОР Фақат бута ўсган, бута ишғол этган ер. *Бақақуруллоқдан чиқилгандан кейин йўл бутазор, қумлоқ, қўриқ ер ва экин майдонларини оралаб кетар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улар [болалар] пахтазор, бутазор оралаб, дарё соҳилига чиқдилар.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

БУТАМОҚ 1 Дарахтнинг кераксиз шох-шаббаларини кесмоқ. *Бутамасанг — мева оз, Бутасанг — ейсан қишу ёз.* Мақол. ▬ *Сидиқжон.. шитоб билан дарахт бутар экан, Канизакни излаб, атрофга кўз ташлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Нурхон нарвонга миниб, тут бутамоқда.* О. Ёқубов, Ларза.

2 *кўчма* Кесмоқ, ўлдирмоқ. *Бой катта бошини кичик қилиб чиққанда, ўйлаб ўтирмасдан, қўлидаги даскалла билан шартта ўша бошни бутаб ташлабди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Тоғай унинг башарасига тикилиб тураркан, кўнглида шу истакни туйди: қани энди бу сурбетни бутаб ташласа..* «Ёшлик».

3 Кийинтирмоқ, устини бут қилмоқ. *Икки-уч кун ичида усти-бошини айтганингиздек бутаб қўяман.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..сон-саноқда йўқ кишиларга йил ўн икки ой овқат едириб, уст-бошини бутаб, кийимкечак берамиз..* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

БУТАФОРИЯ [*итал.* buttafuori — ташқарига чиқариб ташла, улоқтир] Театр саҳнасида ҳақиқий буюмлар, жиҳозлар (масалан, ҳайкал, мебель, идиш, тақинчоқ каби) ўрнида қўлланадиган ясама нарсалар, воситалар.

БУТ-БУТУН Бутун 1 с. куч. *Бут-бутун этик. Бут-бутун қоп.* ▬ *Республикамизда кишиларнинг меҳнат севинчи, оила тўйинчи, довруғ-шони, бут-бутун нони — ҳаммаси пахтадан.* Газетадан.

БУТЕРБРОД [*нем.* Butter — ёғ + Brot — нон] Устига сариёғ суртилган ёки пишлоқ, колбаса япроғи қўйилган бир кесим нон. *Бутербродни паққос туширяпман-у, у киши бўлсалар, ҳеч нарсага қарамасдан, яна тайёрлаб келяптилар.* Газетадан. *..буфетга қора ва қизил икра суртилган бутерброд.. келди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

БУТИЛКА [*лот.* butticula < buttis — бочкача] Бўғзи тор шиша идиш. *Ярим литрли бутилка. Бир бутилка лимонад.* ▬ *Суҳбат*

қизиб борарди. Чойнак-пиёлалар ўрнига бутилка, рюмкалар келтирилди. «Муштум». *1804 йили Париж кўчаларидан бирида турли озиқ-овқат бутилка ва қутиларда сотиладиган дўкон очилди.* «Фан ва турмуш».

БУТИЛКАДОШ Спиртли ичимликларни биргаликда ичувчи. *Бу зўравоннинг турқи бутилкадошиникига сира ўхшамайди.* Газетадан.

БУТИРОМЕТР [*юн.* butyron – ёғ, мой + metron – ўлчов] Сут таркибидаги ёғ миқдорини аниқлайдиган асбоб.

БУТИФОС *ким.* Ғўза баргини тўкишда (туширишда) ишлатиладиган қуланса ҳидли, оч сариқ рангли суюқлик, дефолиант. *Илдизни кемирган бузоқбошисимон, йўқолсин бутифос! Ҳаёт давом этсин!* Газетадан.

БУТКУЛ *рвш.* Бутунлай, тамомила, батамом, фақат. *Дадам буткул бошқа бир дунё.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Хотинимдан ҳам, буткул рўзғоримдан, умуман дунёдан, яшаб ўтган умримдан розиман.* М.М.Дўст, Лолазор. *Атроф буткул тош, сувдан асло нишон йўқ.* «Шарқ юлдузи».

БУТЛАМОҚ Чаласини, камини, етмаганини тўлдирмоқ, расоламоқ, бекаму кўст қилмоқ. *Агар бошқа одам бўлганда, Маҳмудага тўғри йўл кўрсатар, рўзғорини бутлаб олишни ўргатарди.* Газетадан. *..Мамадалижон, манам дунёйи боумид, Аҳмадхўжам билан Ҳамзахўжамга бисот йиғиб, тўй анжомини бутлаб қўйганман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *кўчма* Кийинтирмоқ, ясантирмоқ. *Хотинга ҳуррият – қорнини тўйғизиш ва эгнини бутлашдир.* «Муштум». *Оламнинг эгнин бутлаш – Ўзбекда шудир матлаб..* А. Орипов, Йиллар армони.

3 Бутунламоқ; бирлаштирмоқ. *Кеч бўлсада, икки синиқ кўнгил бутланди.* «Саодат».

БУТЛИК Бутунлик, бекаму кўстлик; расолик, мукаммаллик. *Саранжом-саришта ясатилган уй. Бир қарашдаёқ рўзғор бутлиги сезилиб турибди.* «Шарқ юлдузи». *Нима, менинг мафкурам бутлигига ишонмайсанми, ука?* М.М.Дўст, Лолазор.

БУТОҚ 1 Дарахтнинг танасидан ёки йўғон шохларидан тармоқланиб чиққан ён шох. *Қуш бутоққа сиғинар, Одам – Ватанга.* Мақол. ▬ *Дарахтларнинг бутоқларида қушлар чуғур-чуғур сайрай бошладилар.* «Ёшлик». *Юлғуннинг қовжироқ бутоқларини териб, гулхан ёқди.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Тармоқ, шохобча; поғона; авлод. *Сомонийлар шажарасининг сўнгги бутоғи бўлган подшо Нуҳ бин Мансур касалманд одам эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

Бутоқ отмоқ 1) *айн.* **бутоқламоқ**; 2) *кўчма* ажралиб чиқмоқ, тармоқланмоқ. *Қишлоқ ўртасидан ўтган катта йўл бутоқ отиб, далаларга туташган.* Й. Шамшаров, Боғбон.

БУТОҚЛАМОҚ Бутоқ чиқармоқ, шохламоқ.

БУТПАРАСТ [*ф.* بتپرست – бутга сиғинувчи; мажусий] Бутга, санамларга топинувчи. *Маликшоҳ бутпараст эди.* «Баҳром ва Гуландом». *Малик Хоқон бутпарастнинг закотчилари келди.* «Баҳром ва Гуландом».

БУТПАРАСТЛИК Бутга, санамга чўқиниш, топиниш, сиғиниш.

БУТСИ [*ингл.* boots – ботинка] Футбол ўйинида кийиладиган қаттиқ тумшуқли ботинка. *У [Жамол] спорт майдонидан яқинда қайтганга ўхшайди: оёғидаги бутсиси, эгнидаги қизил тўр кўйлагини алмаштирмабди ҳам.* С. Анорбоев, Меҳр.

БУТУН 1 Синмаган; синдирилмаган; шикастланмаган; синиқ-мертик жойи йўқ. *Бутун нон. Бутун коса. Бутун ғишт.* ▬ *Мураббия ҳалиги қўли синган қўғирчоқни олиб, ўрнига бутун қўғирчоқни ётқизиб қўяётган экан.* Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ. *Улар синиқ жомашовни ҳамон бутун жомашов демоқдалар.* «Муштум». *Кўприк бутунми ёки мажақлаб ташландими – бу унга қоронғи.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сиртим бутун бўлса ҳам, ичим тутун.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Йиртилмаган, тешилмаган, йиртиқ жойи, тешиги йўқ. *Бутун калиш. Бутун қоп.* ▬ *Арслоннинг ўша тўни ҳали бутун, эскирмаган.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Қудаандани ўйлаган ойим сенга бутунгина маҳси ҳам кийгизиб юбормабди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бузилмаган, очилмаган; яхлит. *Бутун консерва.* ▬ *Бой айтади: -Бутун бергин пулимни, Кўп сўйлатиб қичитмагин тилимни..* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

4 Расо, тўлиқ. *Эси бутун одам. Хайр қилсанг, бутун қил.* Мақол. ▬ *Орзиқул опамнинг*

онаси: «Насибанг бутун бўлсин, болам» деб, дадамга нон тишлатди. С. Сиёев, Ёруғлик.

5 *мат.* Каср қисми бўлмаган. *Бутун сонлар. Икки бутун ўндан беш. Беш бутун бир тақсим икки.*

6 Бор(и), борлиқ, барча, ҳамма. *Бутун имкониятлардан фойдаланмоқ. Воқеани бутун тафсилоти билан айтиб бермоқ. Бутун куч, бутун ғайрат улуғ вазифаларни бажаришга қаратилган.* ▬ *Унинг бутун вужудидан ёшлик, навқиронлик, балоғат тантанаси акс этиб турарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бутун борлиғидан гупиллаб хушбўй атирнинг ҳиди ҳам келиб турибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

7 Ўрин, жой, макон билдирувчи сўзлар билан келганда, уларни таъкидлаб ёки бутунисича, яхлит кўрсатиш учун хизмат қилади. *Бутун бир институтда ундан чиройли қиз йўқ эди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ошнинг ҳиди бутун уйни тўлдирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тош фонуслар парпираб ёниб, бутун боғни чароғон қилиб турибди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Собир бутун дунёни унутганди, унинг атрофида қоғоз, қалам ва айтмоқчи бўлган сўзлардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Бу кўзлар учун бутун оламни ҳадя этса арзирди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бутун Фарғона водийсида Чортеракдан олдин ўрик пишмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

8 Ўрин, жой, макон ёки кишилар жамоасидаги барча кишиларни билдиради. *Азон паллада бутун Қорабулоқ тоққа жўнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бутун Яккатут, балки бутун олам уйқуга чўмганди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Бугун Чимён қишлоғини бутун мамлакатимиз билади.* Газетадан. *Ердан қор кетиши билан кўчиб келиб, бутун оила чумолидай ишлар эдик.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 Вақт, муддат билдирувчи сўзлар билан келиб, шу сўз орқали ифодаланган вақт, муддатнинг бошидан охиригача бўлган чегарасини, оралиғини ифодалайди. *Бутун йил.* ▬ *Қутидор эса бутун кун меҳмонхонасига келиб-кетиб турган кўнгил сўровчи ошна, ёрдўстлари билан овора бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эрталаб далага жўнайди. Бутун кун ер ҳайдайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бутун умр елкаларидан обкаш тушмаган.* С. Аҳмад, Уфқ.

Бағри бутун 1) армонсиз, бахтли, камчиликсиз, тўкис. *Дунёда бир бағри бутун киши йўқ экан-да, Ҳар кимнинг юрагида бир андуҳ.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) бола-чақаси, яқин кишилари ўз олдида бўлган. *-Болаларингизнинг дийдорига тўйдингизми? — деб сўради. Эътибор опа. -Раҳмат, айланай Эътиборхон, бағрим бутун бўлиб қолди, — деди Роҳатбиби.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бечора дадаси, тўй қилсам, ичкуёв бўлса, бағрим бутун, уйим обод бўлиб қоларди, деб ният қиларди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Бир бутун** Яхлит ёки бўлинмайдиган. *Бир бутун қилиб ясалган деталь.* ▬ *Тиктепа ерларини бириктириш, орадаги чегараларни бузиб, бир бутун қилиш қийин гап эмас.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Бутун бошли** Катта, бутунлай; катта бир. *Бўри увлаб, тикан чатнаб ётган ташландиқ жар-жилғалар ўрнида бутун бошли янги шаҳар барпо этилди.* Ж. Холқосимов, Янги уйлар муборак. *Янги ерлар очилиб, бутун бошли янги хўжаликлар ташкил топди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Мен сендайлигимда бутун бошли оилани тебратганман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Нони бутун** Ризқ-насибали, тўқ, фаровон яшовчи, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. *-Худонинг ўзи азалдан шайдларнинг нонини бутун қилган,— деди Фозил ака.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Сартарош у дунё, бу дунё хор бўлмайди. Ҳамма вақт нони бутун.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Эси (***ёки* **ақли) бутун** Эс-ҳуши жойида, ақлли. *Ҳар ҳолда, эсинг бутун-да, қурғур.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Ўқимаган бўлсанг ҳам, ақлинг бутун йигит экансан.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тегирмондан** *(ёки* **тегирмонга тушса) бутун чиқади** Жуда эпчил, уддабурон; ҳар қандай мушкул аҳволда ҳам ўзини йўқотмайдиган одам ҳақида. *Йигитмисан йигит! Кучли, тегирмондан бутун чиқади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳакимовни Сариосиёда «тегирмонга тушса, бутун чиқади», дейишади.* «Муштум».

БУТУНИЧА *рвш.* **1** Бутунлигича, бутун ҳолда, бор бўйича; тўлиқ, батамом. *У ўлжасини бутунича ютади.* К. Яшин, Ҳамза. *Камерон шикастланган меъда ости безини бутунича кесиб олди.* «Фан ва турмуш». *Очиқиб турган эдим, паловни бутунича ютгим келди.* И. Раҳим, Ҳилола.

БУТУНЛАЙ *рвш.* **1** Тамомила, тамоман, батамом. *Бу бутунлай бошқа гап. Сизни бу-*

тунлай унутибман. ▬ *У ишга бутунлай шўнғиб кетди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Дўстматов довдираб, бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Унинг овозидаги бу яқинлик Нодирани бутунлай эритиб юборди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Қатъиян, узил-кесил. *Чекиш бутунлай ман этилган.* ▬ *Қурбон ота МТСдан жавоб олиб, Капсанчиларга бутунлай кўчиб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *(бўлишсиз феъллар билан)* Сира, асло, ҳеч. *Бутунлай қўрқмайман.* ▬ *Оқила билан Баҳодир бир-бирлари билан бутунлай гаплашмай қўйдилар.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ.

БУТУНЛАЙИН *рвш.* **1** Бутунлигича, бутун ҳолда. *Ғозни бутунлайин пиширма.*

2 Бутунлай, тамоман. *Бутунлайин кетмоқ.*

БУТУНЛАМОҚ 1 Бутун қилмоқ, бутун ҳолга келтирмоқ. *Шаҳарда Шокир ота деган маҳсидўзнинг дўконхонасида ўз этигини бутунлаб олибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Камини тўлдириб бут қилмоқ, расоламоқ, бутламоқ.

БУТУНЛИГИЧА *рвш.* Бутун ҳолда. *Дорини бутунлигича ютмоқ. Балиқни бутунлигича қовурмоқ. Бутунлигича сақланган ёдгорлик.*

БУТУНЛИК 1 Бирон-бир шикаст емаганлик, синмаганлик. *Бутунлигини ҳам, синиқлигини ҳам билиб бўлмайди.*

2 Яхлитлик, тўлиқлик. *..бу ўринда шоир учун энг муҳими фикр бутунлиги ва аниқлигидир.* «ЎТА». *Шоҳрух мамлакат бутунлигини сақлаш ва ўзига содиқ фарзандларни ўрни-ўрнига қўйиш мақсадида..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Мукаммаллик, тўла-тўкислик. *Пахта деганда юртимизнинг бойлиги, тўкин-сочинлигини, бахтимизнинг бутунлигини тушунамиз.* Газетадан.

Бир бутунлик Яхлит ҳолда бўлишлик, бўлинмаслик, яхлитлик. *Бош ва орқа мия бир бутунликни ташкил этади.* «Анатомия». **Фразеологик бутунлик** *тлш.* Маъносини таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳлаш мумкин бўлган луғавий бирлик. *Айрим фразеологик бутунликлар ўзининг эркин уюшмасига жуда яқин туради.* «ЎТА».

БУТХОНА [*ф.* بتخانه — бутпарастлар ибодатхонаси] **1** *с. т.* Бутга сиғинувчилар ибодатхонаси, черков. *Бутхона қўнғироғи кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун жаранглади.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. *Бутхонадан топган экан бир санам, Олтин билан ропроса қирқ минг дирҳам.* Ҳ. Олимжон.

БУФЕР [*ингл.* buffer, buff — зарбани юмшатиш] Транспорт воситалари (локомотив, вагон, автомобиль)да пайдо бўладиган зарбаларни юмшатиш учун ўрнатиладиган, одатда пишиқ пўлат, резина ёки пластмассадан тайёрланадиган мослама. *Паровоз узоқ гудок бериб, жойидан қўзғалди.. Вагонларнинг буферлари ғижирлаб, поезд яна ел қувиб учди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Бетон тўсин қийшайиб, буфер теккан жойнинг симлари чиқиб қолган эди.* Н. Алимов, Ёлғончи фаришталар. *Буферларнинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўлган овозлар бирданига тиниб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Буфер давлат *сиёс.* Ўзаро зиддиятда ёки уруш ҳолатида бўлган йирик давлатлар ўртасидаги ҳарбий жиҳатдан заиф, ҳудудий жиҳатдан кичик давлат.

БУФЕТ [*фр.* buffet — стол] **1** Идиш-товоқ, мева-чева, ичимлик ва ш. к. сақланадиган махсус жавон (шкаф). *Латофат буфетдан гулдор тарелка олиб, ҳужрага кириб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Зевархон буфетдаги «Чайка» деган шоколаддан олиб, Ашурга тутқазди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Катта ошхона ва ресторанлар, муайян корхоналар қошида ташкил этиладиган, енгил-елпи овқатланиш учун мўлжалланган дўкон; тамаддихона. *Станция буфетида кунини кеч қилиб, қоқ ярим тунда қайтарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тўрахўжа синфдошларини буфетга таклиф этиб, музқаймоқ, сув, ширинликлар билан меҳмон қилди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

БУФЕТЧИ Буфетда ишловчи савдо ходими. *Буфетчи Розиқвой рухсат сўраб, кабинет эшигини очди-ю, бедана юриш қилиб келиб, қўл чўзди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. *Савлатидан от ҳуркадиган йигит кафега кириб келганида, буфетчи аёл кўз қирини ташлаб қўйди.* «Муштум».

БУФЕТЧИЛИК Буфетчи касби; буфетда ишлаш. *Ўзи [Мусахон] шу яқин ўртадаги разъездлардан бирида буфетчилик қилади.* С. Аҳмад, Сайланма.

БУФФОНАДА [*итал.* buffonata – ҳазил саҳна томошаси; қизиқчилик] Комик актёрнинг қаҳрамоннинг ўзига хос ташқи белгиларини ўта бўрттириб кўрсатишга йўналтирилган ўйин услуби.

БУХАНКА [*ўрта нем.* Vochenze – оқ нон ёки *лот.* focacius – печда пишган нон] Бир бутун булка нон. *Полвон ҳар ёққа югуриб, бир буханка нон топа олди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Нусратбек магазиндан ярим буханка нон, шакар, сариёғ олиб, кулбасига қайтди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БУХГАЛТЕР [*нем.* Buch – китоб + halter – олиб юрувчи, тутиб турувчи] *айн.* **ҳисобчи**. Идора, муассаса, корхона ва ш. к. нинг ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи мутахассис; ҳисобчи. *Умаржон Матқулов тутган йўл колхоз бухгалтери Ҳасанбой Раҳимовга ҳам маъқул тушди.* «Муштум». *Чўтини булбул этган, Идорани гул этган Бухгалтерга бир салом.* «Қўшиқлар».

Бош бухгалтер Барча ҳисоб-китоб ишларини бошқарувчи; бухгалтерлар раҳбари.

БУХГАЛТЕРИЯ 1 Ҳисоб-китоб назарияси ва амалиёти. *Бухгалтериядан дарс бермоқ.*

2 Идора, муассаса, корхона ва ш. к. нинг барча молиявий, ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи бўлими ва у жойлашган хона; ҳисобхона. *Бухгалтерия ходимлари. Колхоз бухгалтерияси.* ▬ *Гулсум опа Барнони бир кўрай, деб бухгалтерияга кирди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

БУХГАЛТЕРЛИК Бухгалтер, ҳисобчи касби. *Унинг бухгалтерлик ишини молия бўлимидаги ёрдамчи бухгалтер, кассирлик ишини бюджетчилар бажаришади.* «Муштум».

БУХОР: Бухор сақич *тар. эск.* Бухорода тайёрланадиган оқ сақич. **Бухор танга** *тар.* Бухоро хонлигида зарб қилинган 15 тийинлик танга.

БУХОРИ(Й) Бухорода тайёрланган, Бухорога хос; бухороча. *Токчалар ўртасидаги бухорий сўзана орқасида ноёб газламалар жойланган сандиқ.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

БУХОР(О)ЧА *с.т.* Бухоро шаҳрига, бухороликларга хос. *..у этик кийиб, бошидаги бухорча дўпписини салла билан ўраб олди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Билмадим, нима учундир у кишига икки-уч кунга битта бухороча беқасам тўн, мисқоли дока салла, дўппи керак бўлибди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

БУХОРХУДОТ Бухорода 7-8-асрларда мавжуд бўлган Бухорхудотлар ҳокимлигини бошқарган ҳукмдорлар унвони.

БУХТА [*нем.* Bucht – қўлтиқ; хавфсиз жой] *айн.* **қўлтиқ.**

БУШЛАТ [*нем.* Buschurunk – матрос нимчаси] Матрослар курткаси. *Бу қишни ҳам солдат бушлатида ўтказадиганга ўхшайман.* С. Анорбоев, Оқсой. *У индамай эшик олдида тўхтади-да, негадир, эгнидаги пахтали бушлатидан чиқиб турган узун қора юбкасига тикилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

БУЮК 1 Ҳажм-ўлчови одатдагидан ортиқ, катта; улкан. *Буюк тоғ. Буюк давлат. Буюк бино.* ▬ *Заргаров атрофидаги буюк саҳрони, шу саҳродек чексиз сукунатни сезар, ўзининг беҳаловат руҳи шу бўшлиқларни бусбутун тўлдириб тургандек туюларди.* А. Мухтор, Асарлар. *Фарғона канали ўз кўлами билан.. буюк аталмиш ўша каналлардан ўн баравар буюкдир.* С. Аҳмад, Уфқ. *Фалакка бўй чўзган аллақандай буюк қаср рўпарадан намоён бўлиб, Меъморнинг хаёлини олиб қочди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Аҳмад ўзини буюк коинот қаршисида зарранинг миллиарддан бир заррачасидек ҳис этди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Улуғвор, юксак, тенгсиз, мислсиз. *Буюк, етук одамлар ниҳоятда камтар, камсухан, дилбару меҳрибон бўлишини.. бу доно қиз яхши биларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Буюк воқеалар олдида вақт ўз ҳукмини ўтказа олмайди.* «Саодат». *Инсоният ўз камолоти жараёнида қўлга киритган буюк кашфиёти – тилдир.* Ғ. Саломов, Таржима назарияси. *Баҳор бўйи, ёз бўйи заррама-зарра йиққан бунёдини буюк саховат билан деҳқон этагига тўкаётган мана шу олтин кузда унинг юраги қафасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Азиз, мўътабар, муқаддас. *Дунёда ҳеч сўз борми Она сўзидан буюк.* Ҳ. Олимжон. *Биз биринчи навбатда авлодларнинг буюк хотираси олдида қарздормиз.* Газетадан.

4 Буюк (эркаклар исми).

БУЮКЛИК Одатдагидан катталик; улуғворлик, табарруклик. *Инсоннинг буюклиги ақл-идроки билан.* ▬ *Муқимийларнинг буюклиги ҳам мана шунда эмасми?* Шукрулло, Сайланма. *Унинг [она тупроқнинг] сокингина тин олишида Бордир оналарга хос бир буюклик.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

БУЮМ 1 Тирикчилик ва рўзғорда ишлатиладиган, керак бўладиган ҳар бир нарса. *Рўзғор буюмлари. Заргарлик буюмлари. Чинни буюмлар. Зеб-зийнат буюмлари. Шахсий буюмлар.* ▬ *Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, билагузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби буюмлардан қути-қути йиққан эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Граммофон деган буюмни кўрганмисан ё эшитганмисан? — кулиб сўради Ёрмат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди эса ўша тарафга боргиси келиб, бирпас бўлса ҳам туғилиб ўсган уйини, онасининг қўли теккан буюмларни кўргиси келди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ишлаб чиқарилган нарса, маҳсулот. *Махсимнинг буюми оғир экан, савил.* С. Аҳмад, Ҳукм.

БУЮР *шв.* Оч биқин. *Шу куни.. жонивор Ғиркўк сузилиб, буюри-буюрига қапишиб.. Ширвонга кириб борди.* «Равшан». *Уйқулар қовоққа қотди, Отлар буюрин тортди.* «Нигор ва Замон».

БУЮРМОҚ I **1** Истак-талабни бажаришга кўрсатма бермоқ; буйруқ бермоқ, амр, фармон қилмоқ. *Иш буюрмоқ. Болани ишга буюр, кетидан ўзинг югур.* Мақол. *Ишёқмасга иш буюрсанг, Сенга ақл ўргатар.* Мақол. ▬ *Унинг нозиклиги, кўҳликлиги ҳурмати аяб, енгил-елпи ишларни буюрарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Мен ҳазрати олийлари буюрган мадраса тарҳини чизиш билан бандмен.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳоким ясовулни чақириб, йўлга ҳозирланишни буюрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўлимга буюрдингиз, бизнинг нима гуноҳимиз бор экан?* «Луқмони Ҳаким».

Буюринг *ёки* **буюрсинлар** 1) буйруғингизни бераверинг, буйруғингизни бажаришга тайёрман (тайёрмиз). *Сизга оғир келмаса, бир хизмат топширмоқчиман, уста! -Буюрингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу ишларни менга буюринг, бекам!* Мирмуҳсин, Меъмор. *..Жуман писмиққа мурожаат қилди: -Буюрингиз, афандим!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) марҳамат қилинг, марҳамат. *[Волков:] Афандилар, столга буюрсинлар!* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

2 Бирор нарсани тайёрлаб бериш учун мурожаат қилмоқ; буюртма бермоқ, буюртирмоқ. *Пальто буюрмоқ.* ▬ *Муҳиддин толеига официант ҳам тез кела қолди. Чой ва овқат буюрди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Келин пошшага тилла узук буюрдингизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Туфлини дарҳол гиламга қўйиб, кийиб кўрди: -Ўзимга буюртирилгандай!* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

3 Топширмоқ, бермоқ (қонун йўли билан). *Нафақа керак бўлса, даромадимнинг ярмини олинг, лекин болани тинч қўйинг. Бермайман, овора бўлманг! -Нега? Болани онага буюради-ку!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *тиб.* Тавсия қилмоқ, ёзиб бермоқ, (дори-дармон, парҳез ва ш. к. ҳақида). *Парҳез буюрмоқ.* ▬ *Фақир бу сабилга оғуштабиз, баважҳ дафъи савдои табиб буюрган.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Менми? Менга нима ром келишини ўзим ҳам билмайман. Лекин докторлар коньяк буюрадилар, майли, коньяк бўлсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Бирор иш, топшириқ билан бирор жойга юбормоқ, жўнатмоқ. *Хушрўй хизматчини ўчоқ боши юмушларига буюриб, чойни ўзи қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хизмат деса жуда абжир бўламан, Нима буюрсангиз, ишлаб келаман.* «Муродхон».

6 Тақдир қилмоқ; хоҳламоқ, истамоқ. *Тангрининг буюргани шу экан. Лекин, Меъмор, сиз яхши одамсиз, дилимга ёқасиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Ўғлим, кўнгил буюрган ишдан зарури бўлмайди, — деди раис Тошпўлатовга.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Айбга буюрмоқ *қ.* **айб 2**. *Айбга буюрмайсиз, ўғлим меъморликни ўргансин, отасидек сангтарош бўлиб қолмасин, дедим.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ташриф буюрмоқ** *қ.* **ташриф.** *Бир ҳафтадан кейин қиз Жамолзоданинг устахонасига ташриф буюрди.* «Ёшлик».

БУЮРМОҚ II Насиб бўлмоқ, насиб қилмоқ. *Уялган буюргандан қуруқ қолар.* Мақол. *Югурганники эмас, буюрганники.* Мақол. ▬ *Қўша қаринглар. Ўғилларингга ҳам шунақа сарполар буюрсин.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Ўша куни Матпанога ўз тўйи буюрмади.* С. Сиёев, Аваз. *Хўпам ярашдики, қуллуғ бўлсин, буюрсин.* «Гулдаста».

БУЮРТИРМА *айн.* **буюртма.** *Буюртирма пальто.*

БУЮРТМА 1 *от* Бир нарса ясаб, тайёрлаб, ишлаб бериш ҳақидаги топшириқ, талаб. *Буюртма бермоқ. Буюртмалар қабул*

қилмоқ. ▬ *Тошкентда катта концерт залининг фойесини безашдек катта буюртма ҳам унга топширилди.* «Ёшлик». *Кўзойнакка буюртма берар экансиз, мос келадиган гардиш танлаш керак.* Газетадан. *Официантка буюртма олгани келди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *сфт.* Топшириқ асосида тайёрланадиган; буюртирилган. *Буюртма этик.* ▬ *Қундузнинг онаси азондан туриб, нари-бери ҳовлиларини супуриб, буюртма тўппиларни тикишга ўтиради.* Ойдин, Бечора. *Асадов ҳафтада уч кун тикувчилик артелида ишласа, тўрт кун уйида буюртма туфли тикади.* Газетадан.

БУЮРТМАНОМА Бирор нарсани ясаб, тайёрлаб ёки ишлаб бериш ҳақидаги талаб (таклиф, илтимос) ёзилган расмий ҳужжат, хат.

БУЮРТМАЧИ Буюртма берган шахс ёки ташкилот. *Буюртмачилар кўп бўлган куни [уста] жуда ҳам дилкашлашиб кетадилар.* Н. Аминов, Устоз. *Султон тандирчи қотирмани яхши кўради.. Буюртмачининг аёли эсли бўлса, эрта туриб, қотирма пишириб қўяди.* «Ёшлик». *Аслида буюртмачи ҳам, ишингни баҳоловчи ҳам, қабул қилувчи ҳам ўшанинг ўзи эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

БУЮҚ Қаттиқ совуқ, аёз. *Кечга яқин Чирчиқ томондан изғирин турди, бўғотларни ялаб, қорини учирди. Буюқ кучайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Очиқ эшикдан кирган буюқданми ё юраклари чиққанидан, болалар дир-дир титрашар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Буюқ урдими *ёки* **буюқда қолдингми** *кест.* Унча совуқ бўлмаса-да, иссиқ кийиниб олган одамга айтиладиган ибора. *У, узоқ Фарғона қишлоғининг серқилиқ иқлимини болалигидан билгани учунми, буюқда қолгандай, эгнига брезент чакмон, бошига намат қалпоқ кийган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

БУҚА Бичилмаган эркак қорамол. *Буқа шохидан илинар, Одам — тилидан.* Мақол. ▬ *Ҳар куни бир нағма кўрсатадиган буқамиздан хавотирланиб, пода олдига илгарироқ чиқиб турмоқчи бўлдим.* «Ёшлик». *Буқа, худди уятчан келинчакдек, ювош тортиб, хонасига кириб кетса бўладими.* «Муштум».

Буқа бўйин Бўйни буқанинг бўйнидек йўғон. *Буқа бўйин одам.* ▬ *Меҳмоннинг бири афтини буриштириб олган, буқа бўйин одам эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Буқа бўйин, ҳўкиз қорин хумсалар! Чучварани хом санайсиз.* «Муштум».

БУҚАЛАМУН [*а.* بوقلمون — товланувчан; хамелеон] **1** *от зоол.* Жанубий Осиёда тарқалган, дарахтда яшовчи, судралиб юрувчи, шароитга қараб рангини ўзгартиб турувчи калтакесаксимон жонивор; хамелеон. *Назирбой тўғри айтади: ..буқаламун шароитга қараб тусини ўзгартади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Вой, дийдорингни ел есин-э, буқаламуннинг ўзисан.* Т. Тўла, Асарлар. *Жаҳоннинг иши худди буқаламунга ўхшайди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Савдогарчилик касби одамни буқаламун қилиб қўяди чоғи.* «Ёшлик».

2 *сфт. кўчма* Ўзгарувчан, бирдек турмайдиган; ранг-баранг. *-Бу буқаламун фалакнинг гардишига боқ, чироғим! — деди Шокир ота.* Ойбек, Танланган асарлар.

БУҚАЛАМУНЛИК Ўзгарувчанлик, мослашувчанлик; тайини йўқлик, бирдек турмаслиқ. *Мирзонинг бахти учун ҳозирдан бошлаб тадбирлар кўрмоқ зарур. Нечунким, тақдирнинг буқаламунликлари бениҳоятдир.* Ойбек, Навоий. *Алоиддин Машҳадий.. дунёнинг буқаламунлиги ҳақида шикоятланди.* Ойбек, Навоий.

БУҚИНМОҚ Пастга эгилиб яширинмоқ, ўзини панага олмоқ, кўринмасликка ҳаракат қилмоқ. *Буқиниб, нафасларимизни ютиб туриб, ҳаяжон билан биттадан тош отамиз.* Ойбек, Болалик. *Кетидан автомат ўқи узилди. Турдиевнинг барини ялаб ўтди, у пастроқ буқинди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

БУҚОҚ 1 *тиб.* Қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши натижасида ушбу безнинг катталашуви билан боғлиқ касаллик; шу касаллик натижасида катталашган қалқонсимон без. *Мен жуда-а чарчаганман, биласиз. Олдин шу сабил буқоғимни даволатиб олсайдим.* С. Нуров, Нарвон. *Малоҳатнинг кўк пиёладан кўра кичикроқ буқоғи бўлиб, шуни ўтган йил кузда кестирган экан.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. *Нусратбек унинг томоғидаги буқоғига қараб қолди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Шу касалликка йўлиққан, қалқонсимон бези катталашган одам. *Салим буқоқ. Ҳей, буқоқ, бу ёққа қара!*

3 Дарахт танасининг зарарланиши натижасида унда ҳосил бўлган шиш, ғурра. *Ёнғоқ буқоғи.*

БУҚТИРМА *айн.* **биқтирма.** *..булар* [*савдогарлар*] *молларни ўз фойдалари учун буқтирма қилаётгандирлар.* Газетадан.

БУҚЪА [*а.* بقعه – бир бўлак ер; жой] *эск. кт.* **1** Мадрасаларда фақир ёки қаландарлар учун белгиланган ҳужра.

2 Фақирона уй, кулба. *Алқисса, арақ-арақ тер босиб, буқъага етдим.* «Муштум».

БУҒ Суюқлик ёки қаттиқ жисмларнинг газсимон ҳолати. *Сув буғи. Симоб буғи. Қуруқ буғ (физ.). Буғ кучи (физ.). Буғ қозони (тех.). Буғ двигатели (тех.).* ▬ *Самовардан чиққан буғ уйни тутди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Айвон меҳмонхонадан гупиллаб урилган тутун ва қуюқ буғга тўлди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Буғи чиқиб турган Эндигина қозондан олинган, тандирдан узилган, иссиқ. *Буғи чиқиб турган сомса.* ▬ *Ҳаммамиз бир пиёла-бир пиёла буғи чиқиб турган сутдан ичдик.* Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун. *Халил ота катта лаганда буғи чиқиб турган паловни кўтариб, ҳовлига кирди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

БУҒДОЙ Ғалладошлар оиласига мансуб ўтсимон ўсимлик ва унинг дони, ғалласи. *Жайдари буғдой. Оқ буғдой. Буғдой уни. Буғдой сепмоқ. Буғдой ўрмоқ. Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин.* Мақол. ▬ *Одам Атонинг ўзлари биринчи марта ер ҳайдаб, буғдой сочганлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Бу ерда бизнинг қайроқи буғдойларимиз бор, – деди Анорхон.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БУҒДОЙЗОР Буғдой экилган ер, буғдойпоя. *Буғдойзорга чиққанимдан кейин отни чоптиргим келди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Узоқда олтинланган буғдойзорлар, пахта далаларини шартта кесиб, уфққа санчилган йўллар ялтирар.. эди.* А. Мухтор, Асарлар.

БУҒДОЙИҚ Ғаллагуллилар (буғдойдошлар) оиласига мансуб, ем-хашак учун экиладиган ёки ёввойи ҳолда ўсадиган кўп йиллик ғалласимон ўт. *Адир ва тоғларда буғдойиқ ва ҳар хил ўтлар ўсадиган яйловлар бор.* «Ўзбекистон географияси». *Ётганда буғдойиқнинг изи тушиб қолган ўнг бети ачишарди.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

БУҒДОЙКОР 1 Буғдой экувчи, буғдой етиштирувчи. *Халқ нонини бут қилган Буғдойкорга шараф-шон.* «Ғунча».

2 Буғдой экишга, буғдой етиштиришга хосланган, мосланган. *Буғдойкор хўжалик.* ▬ *-Баъзида хўжайинга пул зарур бўлиб қолса, хом-хатала олмаларни аравага ортиб.. буғдойкор қишлоқларга олиб бориб сотиб келаман, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *..республика бўйлаб буғдойкор майдонлар кенгайтирилди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

БУҒДОЙКОРЛИК 1 Буғдойкорлар касби.

2 Буғдой экиш, буғдой етиштириш. *Буғдойкорлик билан шуғулланувчи туманлар. Буғдойкорлик хўжаликлари.*

3 *айн.* **буғдойзор**. *Буғдойкорликлар энди пахтага айлантирилса керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БУҒДОЙМАҒИЗ *айн.* **буғдойранг.**

БУҒДОЙПОЯ 1 Буғдой ўсиб ётган майдон, ер. *Аҳмаджон ўттиз-қирқ метр наридаги буғдойпоя орасида бир немиснинг бошини.. кўриб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *..ракетачиларнинг буғдойпоя билан ҳеч қандай иши бўлмайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Буғдой пояси. *..офтобли кўчалар, шудгор қилинмаган ерлар, йўнғичқапоя ва буғдойпоялар бир даражада қуриган эдилар.* С. Айний, Қуллар.

БУҒДОЙРАНГ Юзи буғдой рангига ўхшаш, қорачадан келган, қорачага мойил. *Бу одамнинг туси буғдойранг бўлиб, юзи тўла ва силлиқ эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Нусратбек эшикка яқинлашганда, машинадан қора атлас кўйлак кийган, буғдойранг юзли аёл тушди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Раҳимнинг буғдойранг бети жиддийлашган, ақлли, тийрак кўзлари бир нуқтага қадалган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Новчадан келган, буғдойранг, сочлари тим қора, кўзлари чақнаб турган Зарина ўзининг саҳройи гўзаллиги билан бошқа аёллардан ажралиб турарди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

БУҒЛАГИЧ Буғ сочувчи, пурковчи асбоб. *Ем-хашак иссиқ сув буғи билан буғлагичда буғланади.* «Зоология».

БУҒЛАМА 1 Буғда пиширилган, димланган. *Буғлама кабоб ҳар иккала кастрюлкалар орасига қўйилган сувнинг буғида пишади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 Шундай усулда пиширилган таом. *Манти, хунон, буғлама, чўп кабоб каби тансиқ таомлар борки, булар қасқонда пиширилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

БУҒЛАМОҚ 1 Буғ билан ишлов бермоқ. *Пиллани буғламоқ.* ▬ *Шивитни биласан-ку, шуни зира қўшиб буғлайди. Қайнагандан кейин, зиранинг ҳиди ўтга уннаб қолади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Ўраб, буркаб терлатмоқ (даволаш мақсадида).

БУҒЛАНМОҚ I **Буғламоқ** фл. мажҳ. н. *Сигирларга овқат беришдан илгари ем-хашак майдаланади ва буғланади.* «Зоология».

БУҒЛАНМОҚ II **1** Буғ чиқармоқ. *Талабалар буғланиб турган нонни бирпасда еб битиришди.* Ойбек, Навоий. *Баҳор ҳидидан бесаранжом бўлган қарғалар буғланиб турган далалар устида у ёқдан-бу ёққа учарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қатл этилганларнинг иссиқ қони майдоннинг тошларига сачраб, совуқда ҳовур чиқариб буғланар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Буғга айланмоқ. *Орол денгизи сатҳидан ҳар йили 60 куб километрга яқин сув буғланади.* «Фан ва турмуш».

3 Буғ билан қопланмоқ, буғга тўлмоқ, буғ босмоқ. *Ойна буғланиб қолди. Уй буғланиб кетди.* ▬ *Буғланиб кетган дераза ортида қамиш томдан сизиб тушаётган томчилар кўриниб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БУҒЛАНУВЧАНЛИК Мавжуд атмосфера шароитида мумкин бўлган энг юқори буғланишни ифодалайдиган шартли катталик. *Бошқа жойларга нисбатан Ўрта Осиё шароитида буғланувчанлик юқори.* «ЎзМЭ».

БУҒЛАТКИЧ *физ.* Суюқликни буғга айлантириб берувчи асбоб (аппарат).

БУҒЛИ Буғи бурқираб турган; иссиқ. *Мунгли ишинг бўлмаса, Буғли ошинг ташлама.* Мақол.

БУҒРИҚМОҚ Иссиқдан ёки буғдан, тердан шишинқирамоқ, қизариб кўринмоқ. *Носиржон буғриқиб кетган, нақ ёнар эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Унинг [Маликахоннинг] юзлари буғриққан, оппоқ тирсиллаган билаклари тирналиб, ғўза баргига тушган ширадан қорайган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Иссиқдан буғриқиб кетган старшина ювиниб чиққан жангчиларнинг эски кийимларини қабул қилиб, иссиқ уст-бошларни улашарди.* В. Ғофуров, Вафодор.

БУҒРО *айн.* **бўғра**. *Фақат буғролар, яъни туяларгина баҳорнинг бошида хавфли бўлади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БУҒРОЛАР *тар.* Қорахонийлар хоқонлиги (X-XI асрлар)нинг ғарбий қисмини хоқон номидан идора қилган сулола хонларининг унвони.

БУҒСИМОН Буғга ўхшаш, буғ тарзидаги, буғга айланган. *Тупроқ қатламлари орасидаги ҳаво билан биргаликда ҳаракат этаётган буғсимон сув сернам жойдан нами оз томонга.. кўзғалади.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

БУҒУ Жуфт туёқли, думи калта, боши узунчоқ, оёқлари ингичка сутэмизувчи ҳайвон (кийикнинг бир тури). *Шимол буғуси. Буғу мўйнаси.* ▬ *Бу бехатар масканда бухоро буғуси, қундуз, қирғовул каби ҳайвонларни кўпайтириш кўзда тутилган.* «Фан ва турмуш». *Менга тинчлик бермай қийнар Мана энди тушларимда Энасойнинг буғулари.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

БУҒУЧИЛИК 1 Буғу боқувчи касби.

2 Буғуларни асраш, боқиш, кўпайтириш билан шуғулланиш. *Шимолда буғучилик жуда ҳам ривожланган.*

БУҒХОНА *махс.* Буғ ҳосил қилиш жойи; хомашёга ёки маҳсулотга буғ билан ишлов бериш, буғлаш бўлими. *Йўловчи уч сўм тўлаб, кийим-кечакларини буғхонада битдан тозалатиб чиққандан кейингина вагонга қўйиларди.* С. Нуров, Нарвон. *..буғхонани кенгайтириш мутлақо қониқарсиз суръатлар билан олиб борилмоқда.* Газетадан.

БУҲРОН [*а.* بحران – танглик, оғир ҳолат; алаҳлаш] *эск. айн.* **кризис, танглик**.

БЮДЖЕТ [*ингл.* budget – ҳамён, маблағ] **1** *иқт.* Муайян вақт (йил, йилчорак) учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ва қонуний тарзда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси. *Бюджет йили. Бюджет тизими. Давлат бюджети. Ҳарбий бюджет.*

2 Шахсий кирим-чиқим мажмуи. *Ўқиш даврида менинг ойлик бюджетим уч минг сўмдан ошмас эди.* ▬ *Тўғри, оилада оилавий бюджетни бошқарадиган бир киши бўлиши керак.* Газетадан.

БЮЛЛЕТЕНЬ [*фр.* bulletin < *итал.* bulletino – кичик хат, варақа] **1** Бирор муассасанинг вақт-вақти билан чиқариб туриладиган босма нашри номи; ахборотнома. *Олий аттестация комиссиясининг бюллетени.* ▬ *Академиянинг ахборот ва бюллетенларида ўзбек диалектологиясига оид 15*

дан ортиқ илмий мақола эълон қилинди. «ЎТА». *Токча-токча эски-янги уставлар, луғатлар, бюллетенлар, газета ва ажнабий журналлар ҳам бор.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бирор муҳим воқеанинг бориши ҳақида эълон қилиб туриладиган ахборот. *Валюталар курси ҳақидаги бюллетень.*

3 Маълум шаклдаги сайлов (овоз бериш) варақаси. *Сайлов бюллетени. Бюллетенни сайлов қутисига ташламоқ.*

4 *с. т.* Касаллик туфайли ишчи ёки хизматчининг меҳнатга вақтинча яроқсизлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан бериладиган ҳужжат; касаллик варақаси. *Бюллетень олмоқ. Бюллетень бўйича пул тўламоқ.* ▬ *Махсус комиссия Н. Шодиеванинг шикоятини текширганда, у ҳақ бўлиб чиқди ва декрет бюллетенига ҳақ тўланадиган бўлди.* «Муштум». *-Орадан икки ҳафта ўтказиб, хабар олгани борсам, Хўжахоновнинг қўлига игна кириб, бюллетенга чиқиб кетган экан, — деди Ўтбосар.* Ғайратий, Эпчил куёв.

БЮРО [*фр.* bureau — девонхона, идора; ёзув столи] **1** *эск.* Баъзи муассаса, ташкилот ва ш. к. да раҳбарлик ишини олиб бориш мақсадида сайланадиган ёки таъсис этиладиган коллегиал орган; шу орган ўтказадиган мажлис. *Бюро аъзолари.* ▬ *Омонов хонадан чиқиб кетгач, Муродов бюро аъзоларига мурожаат қилди.* «Муштум». *Қодиржон, батафсил сўзлаб, бюрода жуда баҳодирлик кўрсатибсиз.* Уйғун, Асарлар. *Бюрода унга жуда кўп саволлар беришди* Г. Нуруллаева, Юрак ёнмоғи керак.

2 Баъзи бир муассаса, ташкилот ёки улардаги бўлимлар номи. *Маълумотномалар бюроси. Машина бюроси. Конструкторлик бюроси.* ▬ *Нормативлар бюросига машинасозликда техник нормалашга доир инженерлар ва техниклар керак.* Газетадан. *Раҳим ака машина бюросига кирди, кўп ўтмай, қўлида бир даста қоғоз билан қайтиб чиқди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *У бир неча йилдан бери Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросида меҳнат қилмоқда.* Газетадан.

БЮРОКРАТ [бюро + *юн.* kratos — қудрат, ҳокимият] Ўз вазифасига расмиятчилик билан қаровчи, расмиятпараст, тўра. *..инсоннинг қимматли вақтини ўғирловчи, сансалорчи, бюрократларга, оловни ўзгалар қўли билан ушловчиларга нега чора кўрилмайди?* «Муштум». *..бюрократ ваъдани беради-ю, ўша одамни тамоман унутиб юборади.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

БЮРОКРАТИЗМ Ишга, ўз вазифасига расмиятчилик ва совуққонлик билан қараш, қуруқ расмиятчилик билан иш тутиш; қоғозбозлик, тўрачилик. *Талаблар вақтида бажариб борилганда, бюрократизм ва сансалорлик аломатларига қатъий барҳам берилади.* Газетадан.

БЮРОКРАТИК Бюрократларга ва уларнинг иш услубига оид, расмиятчиларга хос бўлган.

БЮРОКРАТИЯ 1 *айн.* **бюрократизм**.

2 Расмиятчилар, тўралар.

БЮРОКРАТЛАРЧА *рвш.* Бюрократларга хос услубда, расмиятчилик билан, тўраларча. *Ишга бюрократларча қараш.*

БЮРОКРАТЛАШМОҚ Расмиятчилик, тўрачилик руҳи билан суғорилмоқ, тўралашмоқ, тўрачилик услубида иш юритмоқ. *Бюрократлашган идора. Бюрократлашган раҳбар.*

БЮРОКРАТЛИК 1 Эски ва қотиб қолган услубда иш тутиш; тўрачилик, расмиятчилик. *Бюрократлик биз учун ёт ва зарарлидир.*

2 Бюрократларга хос хатти-ҳаракат, иш; тўрачилик. *Бюрократлик қилмоқ. Ишга бюрократлик билан қарамоқ.*

БЮРОКРАТЧА *айн.* **бюрократларча**. *Ишга бюрократча ёндашиш.*

БЮСТ [*фр.* buste — кўкрак, кўкс < *итал.* busto — кўкрак <*лот.* bustum — марҳумнинг қабрига ўрнатилган, унинг белдан юқори қисми тасвирланган ҳайкали] Одам гавдасининг кўкрагидан ёки белидан юқори қисми тасвирланган ҳайкал. *Қаҳрамоннинг бронза бюсти.* ▬ *Хона ўртасига шоирнинг бюсти қўйилган.* Ф. Ҳусаинова, Қўқон адабиёт музейида. *Қумри институт боғидаги профессор бюсти ёнига қўйилган скамейкада китоб ўқиб ўтиришни яхши кўради.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

БЎ *унд. с.* Моллар (сигир, бузоқ ва б.) чиқарувчи чўзиқ товушни ифодалайди. *Атрофи сим билан ўралган ёзги молхонадаги бузоқ, сигирнинг овозини эшитиб, «бў-бў» деди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

БЎДАНА *шв. айн.* **бедана.** *Эшикка чиқса, унинг ҳуснига маст бўлиб, сўфитўрғай, как-*

лик, бўдана – жами қушлар беадад сайрашар эди. «Ойсулув».

БЎЁВ 1 Бўяш, ранг бериш.

2 *шв.* Бўёқ. *Бўлар иш бўлди, бўёви синди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БЎЁВЧИ *шв. айн.* **бўёқчи**.

БЎЁҚ 1 Бўяш, ранг бериш учун ишлатиладиган модда; нарсаларга суртилган шундай модда қатлами. *Акварель бўёқ. Мой бўёқ. Кўк бўёқ. Бўёғи кўчган идиш. Бўёқнинг яхшиси – бўзчининг бойлиги.* Мақол. ▬ *Тўрт қадам юриб, сутранг бўёққа бўялган эшик олдига борди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Ҳозиргача ишлатилиб келинган органик бўёқлар ўрнига табиий бўёқлардан фойдаланиш мумкин.* «Фан ва турмуш». *Очиқ платформаларда зангор бўёқлари ярқираб танклар турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Нутқни безовчи бадиий тасвир воситалари. *Гапга бўёқ бермоқ.* ▬ *Бу шеърларда табиат ёрқин бўёқларда моҳирлик билан чизиб берилган.* Газетадан. *Навоий йил фаслларининг жонли манзараларини яратади, уларни чизиш давомида алоҳида бўёқлар қидирарди.* Газетадан.

3 Лаб бўёғи, помада. *Қиз қошларига оро беришни тугатиб, энди лабларига бўёқ суртаётган экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Бўлар иш бўлди, бўёғи синди Кимсанинг розилигисиз бўлиб ўтган иш-ҳаракат ҳақида, «энди на чора», «энди пушаймоннинг фойдаси йўқ» маъноларида ишлатилади. *-Ке, қўй, Қаршивой! Ўтган гапга саловат. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди, – деди Ҳаққул ота қўл силтаб.* Ҳ. Назир, Сув гадоси – оқпадар..

БЎЁҚДОР 1 Бўёқ берилган, бўялган, бўёқлар билан безатилган; рангдор. *Бўёқли уй.* ▬ *Ҳамма меҳмонхоналарнинг ойнавон нақшли, бўёқдор эшиклари, деразалари бекик.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Бадиий тасвир воситаларига бой; жозибадор. *Бўёқдор тасвир.* ▬ *Асқад Мухторнинг «Пўлат қуювчи» поэмасининг тили ҳам етарли равон, бўёқдор эмас.* «Ўзбек адабиёти тарихи».

БЎЁҚДОРЛИК *кўчма, поэт.* Услубий бўёққа эгалик, ранг-баранглик. *Ана шунинг учун бу жанр сўзда, образда, шаклда ортиқча муммтозликни, бўёқдорликни талаб қилмаган.* «ЎТА». *Ифодалиликка интилиш.. бўёқдорлик сўзлашув нутқи учун характерлидир.* «ЎТА».

БЎЁҚЛИ *айн.* **бўёқдор.** *Бўёқли эшик. Бўёқли тасвир.* ▬ *Мисралар узунлиги оригиналникидан ошмайди, сўзлар эса қисқа, бўртма ва бўёқли.* «ЎТА».

БЎЁҚ-СЎЁҚ Бўёқ ва шунга ўхшаш пардоз ашёлари. *..бўёқ-сўёқ, майда-чуйда резавор сотиб.. шаҳарма-шаҳар кезиб..* «Тоҳир ва Зуҳра». *Қизларга ачинаман. Ҳали она сути оғизларидан кетмай туриб, бўёқ-сўёққа мунча ружу қўйишган-а?* «Ёшлик».

БЎЁҚХОНА Бўёқчи усталар ишлайдиган ёки бўяш учун лозим бўёқлар, бошқа хил нарсалар сақланадиган махсус хона; дўкон.

БЎЁҚЧИ 1 Ип, ипак ва ш. к. ни бўёвчи, уларга ранг берувчи уста, рангворчи. *Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум.* Мақол. ▬ *Синглиси Ойжамол пластмасса цехида меҳнат қилади. Умр йўлдоши Садрия ҳам шу ерда бўёқчи.* Газетадан.

2 Сиркор уста, уй сирловчи, бўёвчи мутахассис. *Саодатнинг назарида бу чўққиларни гўё бўёқчилар атайлаб пушти рангга бўяб қўйганга ўхшайди.* И. Раҳим, Ихлос. *Бунда [институтда] қоровулу ҳовлида ишлаётган бўёқчилардан бўлак ҳеч кимса йўқ эди.* Мирмуҳсин, Умид.

Бўёқчининг нилими Қийин ишни осон фаҳмлаб, тез битириб беришни талаб қилган кишига «бу сиз ўйлагандай осон иш эмас», деган маънода айтиладиган ибора. **Бўёқчининг хуми айниди** Эл орасида тагитуги йўқ «миш-миш» тарқалганда айтиладиган ибора (илгари бўёқчи усталарнинг хуми, нили айниса, ирим учун халқ орасида бирор ёлғон гап, хабарни тарқатар эдилар. Гўё шундай қилинса, бўёқ айнимайди, деб тушунардилар).

БЎЁҚЧИЛИК 1 Бўёқчи касби; бўёқ ишлари билан шуғулланишлик. *Бўёқчилик унга ота касб. Бўёқчилик ишлари. Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум.* Мақол. ▬ *Биз бўёқчилик ва дурадгорлик ишларини бажармоқдамиз.* Газетадан.

2 *тар.* Бўёқчилар дўкони жойлашган раста ёки бўёқчилар ўрнашган маҳалла. *Бўёқчилик маҳалласи. Бўёқчилик растаси.*

БЎЖАМА Киши вояга етганда, баданига (кўпинча бет ва кўкрагига) тошадиган қизил бўртмачалар; ҳуснбузар. *Саттор.. буйсунмаган сочларини сув билан тараб ялтиратиб, пешонасига тошган бўжамасини силайди.* А. Мухтор, Кумуш. *Лимон шарбати юзни тоза*

қилади, бўжамаларни даволайди. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

БЎЖИ *бол.* Болаларни қўрқитиш ёки алдаш учун «жин», «ажина» каби маъноларда ишлатиладиган сўз. *Қўғирчоқни бўжи олиб кетди. Бўжи келди, бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди.* Матал. ▬ *Ҳа дегани ҳожиси йўқ, қўрқитгани – бўжиси.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Чолдеворда ётган кўрар бўжини.* «Баҳром ва Гуландом».

БЎЗ I [*а.* بَزّ – газлама, ип газлама, бўз] **1** Хом пишитилган пахта ипидан қўл дастгоҳида тўқилган мато. *Малла бўз. Сўз эмгак бўлар, бўз – кўйлак.* Мақол. *Арқоғини кўриб, бўзини ол, Онасини кўриб, қизини ол.* Мақол. ▬ *Бўзчилик бу ердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб. Аёли чарх йигирса, эркаги бўз тўқирди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *сфт.* Бўздан тайёрланган, тикилган. *Бўз яктак қичитар, яхши хотин тинчитар.* Мақол. ▬ *Ноз-неъматнинг кўплигидан бўз дастурхоннинг ямоғи кўринмай кетди.* С. Сиёев, Аваз. *Нигор ойим бўз тўнни текшириб кўрди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БЎЗ II Кўкка мойил оқ ранг (асосан от туси ҳақида). *Бўз от. Бўз тўрғай. Бўз қарчиғай. Бўз эшак. Бўз туя.* ▬ *Ўктам ёш бўз отда илжайиб турар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *У чорбоғ четидан бўз отни чоптириб чиқдию, бирдан жиловини қўйиб юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сафидан адашган бўз турна бўзлар..* А. Суюн, Олис тонглар. *Катта, кучли бўз эшакни болаларга тутқизиб, дастаси йўғон қамчини катта, жуда кир салласига қистирди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Кўлдан бир киши чиқиб кела берди, қўлида бўз қарчиғай.* «Интизор».

Ранги бўз бўлиб кетмоқ *ёки* **бўздай оқармоқ** Ранги оппоқ бўлиб кетмоқ, ранги қув ўчмоқ. *Назокатнинг юзи бўздек оқарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Унинг ранги бўздай оқариб кетган, аъзойи бадани қалт-қалт титрар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ажабо, бу одам нега кулади, деб афтига қарасам.. ранги бўз бўлиб кетибди!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БЎЗ III: **бўз ер** Экин экишга яроқли, лекин узоқ вақт ишланмай, экилмай ётган ер. *Бўз ерга қадалган чигит бағрига баҳор нафаси тегди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Бўз ерларга сув чиқади, қишлоқ атрофлари, қақир – бўз ерлар кўкаламзор, экинзор бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Бўз тупроқ** Субтропик ҳудудлар ва яримчўл ерларга хос тупроқ. *Пойлаб деҳқон йўлини, бўрсиллайди бўз тупроқ.* А. Суюн, Олис тонглар. *Гул боғим, боғим-боғим, Боғ бўлган бўз тупроғим.* Миртемир, Асарлар.

БЎЗ IV: **бўз бола (***ёки* **йигит)** Эндигина кучга тўлиб келаётган, турмуш аччиқ-чучугини тотмаган, турмуш тажрибасига эга бўлмаган, хом бола, ўсмир. *Кўпчилигимиз жанг кўрмаган бўз йигит эдик.* Б. Имомов, Ҳорманг, қуролдошлар. *Бўз йигит эмасманми, қон гуп этиб мияга урди.* «Муштум». *Сулув қизинг бор бўлса, Бўз болага ёқарсан.* «Шарқ юлдузи». *Шу кичкинагина бўз йигит дилида сўнгсиз умидлар бор экан.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

БЎЗ V Ўтсимон чўл ўсимлиги; чалов.

БЎЗ VI Қаттиқ, уввос йиғи. *Унутмоқ ҳам шунчами, Дунё тўлди бўзимга.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

БЎЗА I [*ф.* بوزه – тариқдан қилинган ичимлик] Оқшоқ, тариқ, арпа ва ш. к. донлардан тайёрланадиган, кайф берадиган ичимлик. *Бўза солмоқ. Бўза ичмоқ.* ▬ *[Отам] Бўза ва мусаллас сингари нарсаларни сира оғзиларига олмас эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Бўза, айрон, қимиз-қумронлар идишларда дастурхонга тортилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БЎЗА II *бнк.* Ғишт териш ёки пойдевор қўйиш учун тайёрланган қоришма.

БЎЗАГАР [*ф.* بوزه‌گر – бўза тайёрловчи, бўзачи] Бўза тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи киши, бўзачи. *Бўзагар Отабекни.. бўзанинг гули билан меҳмон қилар эди.* А. Қодирий Ўтган кунлар. *Шоди бўзагарнинг работида бўза ҳамиша қайнаб ётади.* «Ёшлик».

БЎЗАГАРЛИК 1 Бўза тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланиш.

2 Бўза ичувчилар даврасини бошқариш, даврабошилик. *Бўзагарликка бир оғиздан Болибек сўзамол сайланди.* А. Суюн, Олис тонглар.

БЎЗАРМОҚ 1 Ранги қув ўчиб, оқариб кетмоқ. *Остонада турган аёлнинг сўлғин юзи докадек бўзарди, кўзларида ёш томчилари милтиллади.* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи. *Тешабойнинг лавлагидай қизариб кетган юзи бирдан бўзарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Сидиқжоннинг ранги бўзариб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ғира-шира ёришмоқ, хира тортиб оқармоқ. *Тонг бўзарди. Оламга ёруғлик ёйила бошлади.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Осмон бўзариб борарди. Тепада фақат бир юлдуз, у ҳам сўнай-сўнай деб милтиллаб турибди.* М. Мансуров, Ёмби. *Оппоқ қор босган далалар устида бўзариб тонг отди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Бўзариб турмоқ Серрайиб, қаққайиб турмоқ; қимирламай турмоқ. *Пича бўзариб тургандан кейин Қоражон секин жилди.* «Ёшлик». *Ибодулла Ботиралининг ёнида индамай, бўзариб турган Бўронбекка хўмрайиб қаради.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бўзариб турмоқдан бошқани билмайди. Энди бу бир Мажнун-да, дейишди.* «Баҳром ва Гуландом».

БЎЗАФУРУШ [бўза + *ф.* فروش – сотувчи] *айн.* **бўзагар.** *-Йўғ-э! – деди Самадов. – Ахир, Қўшабой бўзафуруш қирқ олтинчи йилда ўлган-ку!* «Ёшлик».

БЎЗАХОНА [бўза + хона] *эск.* Бўза сотиладиган ёки ичиладиган жой; хона; майхона. *Мулла Наби чапани бир йигит бўлиб, кечаси билан бўзахоналарда, чойхоналарда санқиб юрарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уриншлари. *Бу ўтиришдан сўнг у [Отабек] бир ойлаб бўзахонага келмай кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЎЗАХЎР [бўза + *ф.* خور – ичувчи] Бўза ичувчи; бўза ичишни яхши кўрадиган, бўзани кўп ичадиган. *Бўзагар Отабекни.. оддий бўзахўрлар ёнига ўтқизмай, ўзининг махсус ҳужрасига олиб кирар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен бўзахўр, эски бўзахўр, Кўзаларни синдирган ўғлон.* С. Акбарий, Аму билан дардлашув.

БЎЗАХЎРЛИК 1 Бўза ичишга одатланганлик.

2 Бўза ичиш, бўза ичиб кайф-сафо қилиш. *Бўзахўрлик қилмоқ.* ▬ *Ўша давралар.. бўзахўрлик, қиморбозлик..* «Шарқ юлдузи».

3 Эркакларнинг бўза ичиб отамлашиш учун махсус уюштириладиган йиғини.

БЎЗАЧИ *айн.* **бўзагар**. *Ўзиям қишлоғимизда Тиркаш бўзачи зап бўза қилади-да!* А. Суюн, Олис тонглар.

БЎЗБОЛА *қ.* **бўз** IV. *Унинг изидан бешолти ёшлардаги бўзбола шодон йўрғалаб бормоқда.* С. Сиёев, Аваз. *У [Омон] – мактабни эндигина тугатган бўзбола, олис тоғлар орасидаги кичкина қишлоғидан улкан шаҳарга тушиб келди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Бир куни сизларга ўхшаган бўзболалар йиғилиб, қандай қилиб бўлсаям, олмадан олишга қарор қилдик.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

БЎЗДОҚ Кўкқарғалар туркумига мансуб кўчманчи қуш; куркунак.

БЎЗЛАМОҚ 1 Ўкириб, уввос тортиб, нола қилиб йиғламоқ, зор-зор йиғламоқ. *Супага чиқиб, чинакамига: -Ота, отажон! – деб бўзлади.* «Ёшлик». *Уларнинг орасида энг кўп бўзлагани кенжа ўғил эди.* «Ёшлик». *Ҳар водийни бир-бир изладим, Етим қўзи янглиғ бўзладим.* Ҳ. Олимжон.

Бўтадай бўзламоқ Зор-зор йиғламоқ. *У озмунча кўз ёш тўкдими, гоҳ бўтадай бўзлади, гоҳ ун чиқармай, ичида нола тортди.* Й. Шамшаров, Довруғ. *Ишқингда йиғладим, бўтадай бўзлаб..* «Баҳром ва Гуландом». *Ҳолинг кўрса, отанг бўтадай бўзлар.* «Баҳром ва Гуландом».

2 *кўчма* Мунгли, дардли товуш чиқармоқ; нола қилмоқ. *Бир шўх бўзтўрғай Ғуломжон бошидан кетмай ҳадеб бўзлар, нималардир сўзлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Тўрғай бошлари узра чарх уриб бўзлади.* «Ёшлик». *Бағримда бўзлайди алданган умид, Бетиним тўлғанар ўзини уриб.* М. Эгамбердиева, Гулбарг. *Хаёллар қошимда Сиз бўлиб бўзлар.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим. *Козимнинг назарида танбур ҳамон ўксиб-ўксиб бўзларди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

БЎЗЛАШМОҚ Бўзламоқ фл. бирг. н. *Онабола узоқ йиғлашдилар, кўз ёшлари битгунча бўзлашдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЎЗЛИК I Бўз ер. *Умумий мажлисда «Ҳақ йўл» деб ном берилган колхоз худди шу куни Қамишкапанинг.. шарқидаги бўзликка ва лалмикор адирга қўш чиқарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЎЗЛИК II **1** Бўз болаларга хос хомлик, ғўрлик. *Таваккал билан бўлган ишнинг таги яхши чиқмайди, болалар бўзлик қиляптилар.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

2 Юздаги оқ, бўз ранг. *Кечаси гул япроқчаларига қўнган оппоқ қиров қуёш чиққанда аста-секин кўтарилгани сингари, унинг чеҳрасидаги ваҳм бўзлиги ҳам тарқалиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БЎЗНОЧ Мураккабгуллилар (қоқидошлар) оиласига мансуб, пояси қалин тук билан қопланган, сариқ гулли кўп йиллик ўт. *Бўзноч гулларидан тайёрланган қайнатма жигар касалликларини даволашда ишлатилади.* «ЎзМЭ».

БЎЗРАЙМОҚ 1 *айн.* **безраймоқ.** *Нега хўракка териб ташланган бездек бўзрайиб турибсан?* Б. Раҳимов, Мардлар қиссаси. *У менга бўзрайиб қараб турди-да, саломимга алик ҳам олмай, бепарволик билан юзини ўгириб олди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

2 Ҳайрон бўлмоқ, анграймоқ. *Мирзолар бир-бирига қарашиб олдилар. Шаҳодат муфти бўзрайиб, ҳамроҳига қаради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Зайнаб ишини тўхтатиб, бўзрайганча Кумушга қараб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЎЗРАНГ Кўкка мойилроқ бўлган оқ ранг. *Дарахтзорлар адоғи бўзранг адирларга туташиб кетган.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Энди кўзи ҳеч нарсани кўрмас, мияси фикрлашдан тўхтаган, ўзи таг-туги йўқ бўзранг бўшлиқ аро оҳиста сузиб кетар эди.* «Ёшлик».

БЎЗТИКАН Мураккабгуллилар оиласига мансуб кўп ва бир йиллик бегона ўт. *..ўзбек тилида мавжуд **қорағат** ўрнида **смородина, қорақайин** ўрнида **бук, бўзтикан** ўрнида **будяк**.. деб ишлатишнинг нима ҳожати бор?* «ЎТА».

БЎЗТУПРОҚ Ўзлаштирилмаган бўз ер, экин экилмаган тупроқ ёки кулранг тупроқ. *Ўрта Осиё бўзтупроқларида карбонатлик даражаси бошқаларга нисбатан кучлироқдир.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

БЎЗТЎРҒАЙ Чумчуқсимонлар туркумининг тўрғайлар оиласига мансуб, бўз рангли, асосан қумлоқ ва шўр жойларда яшовчи қуш. *Бунда қушлар учмас гур-гур, Бўзтўрғай ҳам бўзламас.* А. Шер, Қадимий куй. *Осмондаги бўзтўрғай, Бўзламасанг на бўлғай? Муштаккина жонингга Куйламасанг на бўлғай?* «Қўшиқлар».

БЎЗЧИ I Бўз тўқувчи косиб. *Бўзчи билганин тўқир, мулла билганин ўқир.* Мақол. *Бўзчи белбоққа ёлчимас.* Мақол. ▬ *Сафар бўзчи кўзида ёши билан Анварни табрик қилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ғалаён кўтарганлар олдида қилич яланғочлаб Ҳорун бўзчи борарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Бўзчининг мокисидай югурмоқ *(ёки* **қатнамоқ**) Тўхтовсиз бориб-келиб турмоқ, кўп қатнамоқ; сарсон бўлмоқ. *Онажон биринчи ва иккинчи қаватнинг ноқулай зиналаридан бўзчининг мокисидай югурди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Йигитни қалтироқ босди, кўзлари бўзчининг мокисидай югура бошлади.* Ҳ. Шамс, Душман.

БЎЗЧИ II Зубтурумдошлар оиласига мансуб катта япроқли, майда бошоқсимон гулли, кўп йиллик ёввойи ўт. *Бўзчининг баргидан тайёрланган дорилар ичак ва меъда яраларини даволашда ишлатилади..* «ЎзМЭ».

БЎЗЧИЛИК Бўз тўқиш касби; бўз тўқиш билан шуғулланиш. *Бобом ҳам бўзчиликни яхши билар эди.* Ойбек, Болалик. *Бўзчилик — бу ердагиларнинг ота касби.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БЎЙ I **1** Киши қоматининг баландлиги; гавданинг бошдан-оёқ кўриниши; бўй-баст, қомат. *Бўйи баланд одам. Бўйи паст одам. Бўйингга қараб тўн бич.* Мақол. *Ўзига енг бўлмаган ўзгага бўй бўлмас,* Мақол. *Туядай бўй бергунча, Нинадай ақл берсин.* Мақол. ▬ *Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоқда, бойвачча.. уни кўз тагига олиб қўйган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйингнинг ортидан ўтлар тераман, Бўйингни бўйимга тенглаб кўраман.* «Қўшиқлар». *Кампир кўчага чиққанида, кўча эшигидан баланд бўйли, қош-кўзлари қоп-қора ўғли Қодир кўринди.* «Саодат».

2 Юқорига чўзилган қўл баландлиги. *Токчага бўйим етмаяпти.* ▬ *Девор ўлгудай баланд-да, бўйи етмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бўй бермоқ 1) сувнинг чуқурлигини ўз бўйига ўлчамоқ. *..саёзликнинг нариги томонидаги дарё тармоғига тушиб кўрган эди, чуқур экан, бўй бермади.* Ж. Шарипов, Хоразм; 2) *кўчма* бўйсунмоқ, сўзга, гапга кирмоқ. [*Роҳат Шарифга*:] *Кечирасиз, жазманингизни шу маҳалдан жиловлаб олмасак, кейин бўй бермайдиган бўлиб кетади.* Уйғун, Ҳуррият. *Бир фалокатни сезган нортуя эгасига бўй бермай, шаталоқ отиб, уни йиқитибди..* М. Мансуров, Ёмби. **Бўйи(га) етмоқ** Бўйи ўсиб, балоғатга етмоқ. *Қизинг бўйи етса, қизи яхши билан қўшни бўл, Ўғлинг эр етса, ўғли яхши билан қўшни бўл.* Мақол. ▬ *Бўйига етган қиз билан йигит бир-бирлари билан топишсалар, бунга ҳеч ким қарши келмайди.* С. Айний, Эсдаликлар. **Бўй эгмоқ** *айн.* **бўйсунмоқ.** *Тўрахоновнинг кўзи олдида.. бўй эгмаган Баҳорнинг, мағрур турган Хайрининг юзлари яққол гавдаланди!* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. *Бир кезлар бўй эгмай*

келган Сирдарё суви энди жиловланганича пишқириб, пастга отиляпти. «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Тик турган нарсаларнинг баландлиги. *Миноранинг бўйи. Бўйи узун терак.* ▬ *Райондаги мактаб бинолари билан бўй ўлчашадиган мактаб биноси солдик.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бор бўйича *қ.* **бор** I. **Бўй чўзмоқ** 1) бўйи ўсиб баландлашмоқ, ўсмоқ; баланд бўлмоқ. *Айни ғўзалар бўй чўзиб қолганда, қора қурт унинг илдизини қирқа бошлайди.* Г. Нуруллаева, Сўнгги довон эмас; 2) балоғатга етмоқ. *Қиз бола бўй чўзиб қолгандан кейин, йигит кишининг унинг уйига ҳадеб келавериши одобга ҳам, ахлоққа ҳам тўғри келмайди: қизнинг боши маломатга қолади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар; 3) юқорига қўл чўзмоқ, узатмоқ. *Қуёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари юргинг келади, гуллаган олма шохларига бўй чўзиб, барра майсаларни босиб юргинг келади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Кўкка (***ёки* **фалакка) бўй чўзган** Жуда баланд, юксак; улуғвор. *Кўкка бўй чўзган бинолар.* ▬ *Ерда ёпишиб ётган ниҳоллар, сув берилгач, қаддини ростлаб, кўкка бўй чўзди.* Газетадан. *Кўп қаватли гўзал уйлар кўкка бўй чўзиб туради.* Газетадан. *Янги мадрасанинг пештоқлари ҳам фалакка бўй чўзиб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Одам бўйи** Одам бўйи бараварида, одам бўйича. *..одам бўйи баланд кўтарилиб солинган каттагина шийпон, атрофи гулзор.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жўрахон етиб борганда, юздан ортиқ хотин-қиз одам бўйи бўлиб ғовлаб ўсган, кўм-кўк ёввойи ўтга ёпирилган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қамишлар икки одам бўйи ўсган, поёни кўринмас, шабадада бир оҳангда мунгли шовуллайди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. **Терак бўйи** 1) бўйи терак билан баравар; баландлиги терак бўйига тенг. *Мана, кун ҳам терак бўйи кўтарилиб қолди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Зиёбек бой уйидан чиқиб, йўнғичқазорга келганда, кун аллақачон ботиб, ой терак бўйи кўтарилиб қолган эди.* Н. Фозилов, Дийдор; 2) терак баландлигида. *Самолёт терак бўйи пасайди. Варрак терак бўйи чиқди.* **Тизза бўйи** Тиззадан келадиган, баландлиги тиззага етадиган. *Ўша йили қиш эрта тушди. Устма-уст ёққан қор икки кунда тизза бўйи бўлди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. **Том (***ёки* **найза, одам) бўйи** Ушбу нарсалар бўйига тенг. *Шу пайт рўпарамдан том бўйи бетон уюмлари ортидан лип этиб қулоқчин кийган, узун бўйли йигит чиқди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Нарх-наво ҳар кун том бўйи сакраб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жимжит кечқурун Самарқанддан чиқиб, кун найза бўйи кўтарилганда, Темур дарвозасидан ўтди* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Баъзи нарсаларнинг (уй, ер, майдон ва б.) узун томони. *Бўйи олти метр, эни тўрт метр уй.* ▬ *Унгур энига бир қулоч, бўйига бир ярим қулоч қилиб қазилаётган бўлса ҳам.. айтишга осон, қазишга қийин катта унгур эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 Қуруқликнинг ариқ, дарё, денгиз кабиларга туташ жойи; қирғоқ, соҳил. *Дарё бўйи. Сув бўйи. Ҳовуз бўйи.* ▬ *Элмурод билан Абдурасул йўл бўйидаги тепаликка чиқдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Саломатлигини совураётган одам ариқ бўйида сув қадрини билмай ўтирган кишига ўхшайди.* Газетадан. *Рихси хола нафасини ростлаш учун ариқ бўйига чўнқайди.* С. Зуннунова, Олов. *Ҳовузнинг бўйида томингиз борми, Хастадай турибсиз, ҳолингиз борми?* «Қўшиқлар».

6 (*3-ш. эгалик аффикси билан*) *кўм.* Давомида; мобайнида. *Кун бўйи. Йил бўйи.* ▬ *Аёл тун бўйи азоб чекиб, тонготарга яқин кўзи ёриди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кеча кўйлакчан чиқиб, кун бўйи совуқ едим.* Газетадан. *Бирам ширин, асрлар бўйи ҳаёт сувини ва деҳқон қўлини кутиб ётган даштдагина шундай қовун битади.* Й. Шамшаров, Тошқин.

Бўйида бўлмоқ Ҳомиладор бўлмоқ. *-Саҳро воқеасидан уч ой ўтганда, бўйимда бўлиб қолганига ортиқ гумоним қолмади, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шушу, қайтиб бўйида бўлмади. Бормаган доктори қолмади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Қизининг бўйида бўлмаётгани Қундуз опани ташвишга солар, кечалари уйқуларини олиб қочарди.* Газетадан. **Бўйи(нгиз) етмайди** Уддасидан чиқа олмайсан, қўлинг қисқалик қилади, қаршилик қила олмайсан. *Биламан, сиз қўрқмайсиз! Суянган тоғингиз баланд! Ўртоқ Носировга ҳеч кимнинг бўйи етмайди.* А. Қаҳҳор, Синчалак. **Шу бўйи** 1) шу кўйда, шу ҳолда. *Шу бўйи туни билан йиғлаб чиқибди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) шундан буён, шу-шу. *Шу бўйи мен Анварни қайтиб кўрмадим.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Шу бўйи бир ҳафта Меъмор уйдан чиқмади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

БЎЙ II [*ф.* (بو(ی – ҳид] Ҳид, ис. *Анвар.. қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўзғиган сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокилларининг муаттар бўйини ҳидлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Лолалар яшил майсазор узра бўй таратиб, бош эгади.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Сув сепилган кўчаларда райҳон бўйлари билан қоришиб, тупроқ ҳиди анқиди.* «Саодат».

БЎЙ-БАСТ *жуфт. с.* Киши гавдасининг тўлиқ, яхлит кўриниши; қадду қомат, гавда, жусса. *Бўй-басти келишган йигит.* ▬ *Бўйибастингга онагинанг қоқиндиқ бўлсин, Мамадалижон.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Кўз ўнгида бутун бўй-басти, гўзаллиги ва тароватии билан Қирмизхон гулдек яшнаб турарди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштaлар. *Акрамнинг дид билан кийиниши, келишган бўй-басти унга ёқар эди.* «Ёшлик». *Зумрадни эслади. Унинг расо бўй-басти, қуралай кўзлари, лўппи юзи, ўнг бетидаги кулгичи.. кўз ўнгидан ўтди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

БЎЙДОР I **1** Бўйи баланд; бўйчан, дароз, новча. *Бўйдор йигит.* ▬ *Бекнинг онаси ўрта ёшлардан ўтган, бўйдор, сочларига сал оқ оралаган нуроний хотин эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қиз бўйдоргина, озғин экан.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Баланд, ўсиқ. *У пайкал четида гуллаб ётган бўйдор ўсимликларга ишора қилиб, гапни бошқа ўзанга бурди.* С. Нуров, Нарвон. *Электростанциянинг иккита бўйдор мўрисидан буралиб-буралиб чиқаётган тутун кулранг осмонда ғойиб бўлади.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

БЎЙДОР II [*ф.* بویدار , بودار – муаттар ҳидли; сассиқ ҳидли] Ўткир, муаттар ҳидли, хушбўй. *Бўйдор гуллар.*

БЎЙДОШ Бўйлари тенг; бўйи-бўйига мос тушувчи. *Ҳабиба Хатибнинг Қутбия номли қизи билан бўйдош бўлиб, ҳар иккилари бу мактабдаги қизларнинг барчасидан катта эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

БЎЙДОҚ Уйланмаган, хотин олмаган; сўққабош. *Бўйдоқ йигит. Бўйдоқнинг ақли икки кўзида.* Мақол. *Ёмон отда юргунча, яёв юрган яхшироқ, Ёмон хотин олгунча, бўйдоқ ўтган яхшироқ.* Мақол. ▬ *Йигитнинг кўлида гулдай ҳунари бор экан, бўйдоқ экан, уй-жойи тайин экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу чиройли.. жонон қиз, қурмағур, шаҳардаги ҳамма бўйдоқларни михлаб, арқонлаб, эгарлаб ташлади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 *кўчма* Дайди, бемаҳал эсган. *Нур тўкилган сайҳонда бўйдоқ шамол билан ўйнар гиёҳлар.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

БЎЙДОҚЛИК Уйланмаганлик, оиласизлик ҳолати, уйланмаган давр. *Подшонинг бўйдоқлигини Оқтош элининг ҳамма қизи ҳам билар эди.* «Муродхон».

БЎЙИМОДАРОН [*ф.* بوی‌مادران – оналар иси] Мураккабгуллиларга мансуб патсимон баргли, майда тўп гулли, кўп йиллик доривор ўт. *Оддий бўйимодарон адир ва қирлар, йўл ёқалари ва ўрмон чеккаларида ўсади.* «ЎзМЭ». *Бўйимодарон патсимон баргли кўп йиллик ўт бўлиб, ер ости поясидан бўғиз барглари ва поялар чиқаради.* «Фан ва турмуш».

БЎЙИН I (*3-ш. бирл.* **бўйни**) **1** Одам ва умуртқали ҳайвонлар гавдасининг бош билан танани бириктирувчи қисми. *Ўғрини солсанг қўйнингга, Сиртмоқ тушар бўйнингга.* Мақол. *Хотин – бўйин, эр – бош.* Мақол. ▬ *Тонгнинг майин шабадаси Нусратбекнинг бўйинларини ёқимли силаб-сийпалади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Тўрткўз бўрининг бўйнидан қаттиқ тишлаб, у ёққа-бу ёққа юлқилаб кўрди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Қора кўзлари учқун сочиб порлайди. Кўкраклар баланд. Бўйни оқ марвариддай силлиқ, лаблари эҳтиросли.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Бўйин букмоқ *айн.* **бўйин эгмоқ 4.** *Бу даҳшатни, офатни, у, эҳтимол, бир тақдир, бир зарурият.. деб тушунганда, балки камтарлик билан бўйнини буккан бўлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бўйин эгмоқ** *(ёки* **солмоқ**) 1) бошни қуйи солмоқ. *Иккала от узоқ йўл босиб ҳориганидан, оғир бошларини кўтаришга мажоли келмагандай, бўйинларини эгиб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) *кўчма* айбини бўйнига олмоқ, айбига иқрор бўлмоқ. *Эгилган бўйинни қилич кесмайди.* Мақол. ▬ *Шунда ҳам ўзидан паст деб юрган кишисига бўйин эгиси келмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 3) таъзим қилмоқ. *Кумуш уялиб, зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб, бўйин эгди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўйин эгиб ҳаммаси, Таъзим қилиб туради.* «Ойсулув»; 4) бўйсунмоқ. *Душманга бўйин эгма.* Мақол. ▬ *Эски раислар бўйин эгармикан бу ёш жувонга.* И. Раҳим, Ихлос. *Эшбоев бу такаббур, безбет болани бўйин эгишга мажбур қилолмаган эди.* «Ёшлик». **Бўйин қисмоқ** *айн.* **бўйин**

эгмоқ 2. [*Отам*] *Бир кун эримнинг узоқ сайилга кетганини эшитиб, уйимга етим боладек бўйнини қисиб кириб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Баъзи асбобларнинг ингичка узунчоқ қисми; бўғиз. *Дуторнинг бўйни. Шишанинг бўйни.* ▬ *Деворига толгул ва бўйни узун офтобанинг сурати солинган баланд айвон.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Нўш этиб, уйга келурман, ерда турмайдур оёқ, Шишалар бўйни узилсин, бош эгиб қон йиғласин.* Ҳабибий, Девон.

3 *тех.* Ўқ, вал ва ш. к. нинг подшипникка ўрнатиладиган қисми. *Вал бўйни.*

Бўйин бермоқ Бўйсунмоқ, гапга кирмоқ, кўнмоқ. *У бировга бўйин беришни ёмон кўради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Икки йигит чопа келиб, унинг жиловидан тутишди. Қора Бахмал бўйин бермай, силтаб ташларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. **Бўйин бурмоқ** *айн.* **бўйин товламоқ.** *Сал норозилик қилиб, ишдан бўйин бурганларнинг боши балога қолар, бундайларга сургун, бадарға доим таҳдид солиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. -*Сиз, устод, бир нима десангиз, биз бўйин бурган эмасмиз, — деди Меъморнинг чеҳраси очилиб.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Бўйин сунмоқ** *айн.* **бўйсунмоқ.** *Номардларга асло сунма бўйнингни, пуч ёнғоққа тўлдиради қўйнингни.* Мақол. **Бўйин товламоқ** *(ёки* **тортмоқ)** Бирор ишни бажаришдан, унга қатнашишдан бош тортмоқ. *Дарвеш Али қўзғолонини бостиришга Алишернинг ўзини юборинг. Ё Алишер бу ишдан бўйин товлайди, ё.. бориб, фитнани бартараф қилади.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бу подшоҳимизнинг олий фармони, ундан бўйин товлайдиганларга у шафқат қилиб ўтирмайди.* К. Яшин, Ҳамза. **Бўйин тўлғамоқ** *айн.* **бўйин товламоқ.** *Бизлар бамаслаҳат нима десак, у бўйин тўлғамас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бўйин қўймоқ** 1) кўникиб, бирор ишга кириша бошламоқ. *Ғуломжон сўнгги кунларда меҳнатга бўйин қўйган бўлса ҳам, энди бундан ўзи қониқа олмади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар; 2) кўнмоқ, бўйнига олмоқ, рози бўлмоқ. *Аширбек ноилож жиянларининг гапига бўйин қўйди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Бу ишлар худонинг иши, кўн энди, Бўйин қўйгин Оллонинг қудратига.* «Юсуф ва Аҳмад». **Бўйни боғлиқ** Тутқун, асир; эргаштириб, судраб юрилган. *Бўйни боғлиқ ит овга ярамас.* Мақол. ▬ *Бўйним боғлиқ ҳам эмас, ечиқ ҳам эмас. Қамоқ бўлмаса ҳам, қамоққа ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бўйнига** 1) гарданига, зиммасига, устига. *Катта рўзғорнинг ҳамма гуноҳи раиснинг бўйнига..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Буларнинг барчаси унинг бўйнига қарз бўлиб ётарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) виждонига; виждонига ҳавола. *Нима уволи бўлса — ҳақ бўлсин, ноҳақ бўлсин — гувоҳнинг бўйнига, деб ҳукм қиламан.* «Луқмони Ҳаким». *Мен қўлимдан келганини қилдим, энди* [*боланинг*] *уволи сизнинг бўйнингизга — ерсиз қоладими, етим бўладими..* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бўйнига арқон солмоқ** Мажбур қилмоқ. *Албатта, менинг бўйнимга биров арқон солаётгани йўқ. Тушунган одам [колхозга] киради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бўйнига миниб олмоқ** 1) бўйсундириб, измига тушириб олмоқ. *Эркак бошимни эгиб, қайтиб бораманми, унақада хотиним бўйнимга миниб олади.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) ишламай-нетмай бутунлай бировнинг қарамоғига ўтиб олмоқ. *Кампир кўзига ёш олди: -Ўғилгинамнинг бўйнига миниб олган бу жувонсўхта.* «Муштум». **Бўйнига олмоқ** 1) ўз устига, зиммасига олмоқ. [*Ҳомид*:] *Башарти шу хизматни бажариб беришни бўйнингга олсанг, онт билан айтаманки, давлатимнинг ярмиси сеники бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Марғуба оғирликни яна ўз бўйнига олмоқчи бўлиб турган эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Воҳидовга шипшитиб қўйишни мен бўйнимга оламан.* С. Зуннунова, Янги директор; 2) рози бўлмоқ, кўнмоқ, кўникмоқ. *Бир гап билан бойлаб бердим қўлимни, Бойлоғлиман, бўйнимга олдим ўлимни.* «Рустам». *Биз жаллод даррасига, оқ пошшо сургунига, хон болтасига, тўралар, бойлар калтагига чидашни бўйнимизга олганмиз.* С. Сиёев, Аваз; 3) иқрор бўлмоқ. *Самад, ўзинг гуноҳингни бўйнингга ол, шундай қилсанг, жазонг ҳам енгил бўлади.* «Ёшлик». *Бўлди энди, айбни бўйнимга олдим-ку ахир.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳамон айбни ўз бўйнингизга олмайсиз, астағфирулло.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бўйнига осилмоқ** Бировга хиралик қилиб ёпишиб олмоқ. *Бунча менинг бўйнимга осилиб олдинг?* **Бўйнига тушмоқ** 1) гарданига, зиммасига, устига тушмоқ. *Башарти мажлисдан ўтказишса, бўйнимга катта қарз тушади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шундай қилиб, мовут менинг бўйнимга тушиб турибди, денг?!* С. Зуннунова, Янги директор;

2) далил-исбот билан бўйнига қўйилмоқ. *Айб кимнинг бўйнига тушди?* **Бўйнига қўймоқ** 1) гарданига, зиммасига, устига юкламоқ, топширмоқ. *Мен ҳозир бой билан гаплашаман, ҳовлингни ўзингга қайтартираман, тўй харажатларини бойнинг бўйнига қўяман.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *..келган совчиларнинг ўзларига ёқмаганига гуноҳнинг барини Кумушнинг бўйнига ағдариб жавоб берар, аммо иккинчи ёқдан тузукроқ жойни кўзлар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) далиллар билан ўз айбига иқрор қилмоқ. *Салимбойвачча қоғозни қўлда маҳкам сиқиб, ғурур билан давом этди: -Бу нарса қўлимдами, ҳеч ким бирон айбни бўйнимга қўя олмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёлғон айтмаган бўлса, юзлаштир, бўйнимга қўйиб берсин!* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бўйнида(ги)** Гарданида(ги), зиммасида(ги), устида(ги). *Уй-рўзғор, мол-ҳол, бола-чақа — ҳаммаси Холисанинг бўйнида эди.* С. Нуров, Нарвон. *Катта синглим Ойшахон тўртинчи синфда ўқийди. Ҳовлини супуриш, идиш-товоқларни ювиш ўшанинг бўйнида.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. *Аввало бўйнингдаги қарзингни уз, ундан кейин кигиз билан бигиз сўра-да.* К. Яшин, Ҳамза. **Бўйнидан бойлагандай** Бирор ишамални бажаришга мажбурлик ҳолати; мажбуран, эрксиз равишда; истаб-истамай. **Бўйнидан соқит қилмоқ** Қутулмоқ, озод бўлмоқ. *Улар эшакларни бўйинларидан соқит қилиш тўғрисида маслаҳат қилишибди.* «Луқмони Ҳаким». **Бўйни ёр бермаслик** Бўйсунмаслик, ўзига эп кўрмаслик, истамаслик. *Ўқишга бўйни ёр бермаган Абдусаттор ёшлигида кўчакўйда судралиб юрди.* «Гулдаста». *Пўлатжон Абдураҳмонов ўз ота-онасига ёрдам беришдан бош тортиб, колхозда ишлашга бўйни ёр бермай, текин томоқ излаб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ дайдиб юрибди.* М. Абдуллаев, Текин томоқ. **Бўйни йўғон** *кўчма* Зўравон, муштумзўр; чапани одам. [*Ўғлингизнинг*] *Бошига бир мушт уриб, бир бурда қаттиқ нон берадиган бир бўйни йўғонга тегмасам, мен ҳам юрган эканман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бўйни синмоқ** Мағлуб бўлмоқ, енгилмоқ. *Канизлар эса: -Осимжон сўзида туролмади, бўйни синди-ку, — деб таъна қилдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

БЎЙИН II *геог.* Сув билан ажралиб қолган қуруқлик қисмларини, ҳатто материкларни бир-бирига қўшадиган тор, узунчоқ ер бўлаги. *Осиё билан Африка орасидаги Сувайш бўйнининг кенглиги 164 км га тенг.* «Табиий география».

БЎЙИН III *қ. х.* Ҳайдалаётган ер майдонининг у бошидан бу бошигача бўлган масофа (тахминан 120—150 қадам).

БЎЙИНБОҒ 1 Уй ҳайвонларининг бўйнига боғланадиган арқон ёки қайиш.

2 *с. т.* Галстук. *У ўтар ўз сафида, кийинган содда, Бўйинбоғ кўкрагига қандай ярашган.* Миртемир, Асарлар. *Оқ кўйлаги ёқасига каштали бўйинбоғини тақди.* С. Нуров, Нарвон.

БЎЙИНТУМОР 1 Аёллар бўйнига тақадиган зийнат буюми.

2 *этн.* Ичига диний мазмундаги дуо ёзиб солинган тумор. *Бўйинтумор ўрнига галстук Бойланади қизлар бўйнига.* Уйғун.

БЎЙИНТУРУҚ 1 *қ. х.* Омочнинг иш ҳайвони бўйнига тақиладиган қисми. *Қаёқдандир Қўшоқ пайдо бўлди. Қўлида бир тўп каноп ва битта бўйинтуруқ бор эди.* Ҳ. Шамс, Жуволдиз. *Ҳўкизнинг гарданига кўзи тушди: қорамтир жунлар тагида тери кўриниб турарди — бўйинтуруқнинг ўрни бу.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 *кўчма* Жабр-зулм, асорат, оғир меҳнат. *Мустамлакачилик бўйинтуруғи.* ▬ *У икки ярим йил бойнинг бўйинтуруғини судради. Нима олди!* Ойбек, Танланган асарлар. *Умрбод омоч-бўйинтуруқни ўз гарданида тортишнинг азобини кечирган деҳқонлар кўп.* С. Аҳмад, Сайланма.

БЎЙИНТУРУҚЛАМОҚ Ҳўкизга бўйинтуруқ кийгизмоқ. *Шундай қилиб, кўклам бўлди, хўжайин менга ҳўкизларни бўйинтуруқлаб: -Энди қўш ҳайдашга чиқасиз! — деди.* «Эртаклар».

БЎЙИНЧА Иш ҳайвони бўйнига хомут остидан кийдириладиган, усти тери, ичига похол солинган ҳалқа шаклидаги от-улов абзали. *Ҳуснибийнинг дадаси Омонбий бўйинча тикар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Тешабой отни дарвоза оғзида тўхтатди-да, бўйинчасини ҳам чиқармай, миниб, шаҳар томон босди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Ич бўйинча Катта бўйинча остидан кийдириладиган юмшоқ бўйинча.

БЎЙИНЧАДЎЗ Бўйинча тикувчи уста, саррож. *..бозорда ўз маҳаллам, ўртоғим, бўйинчадўз Омонбийнинг ўғли Ҳуснибийни учратиб қолдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БЎЙИЧА *кўм. (б. к. сўз билан)* **1** Мувофиқ, биноан, кўра. *Буйруқ бўйича. Қонун бўйича.* ▬ *У.. шарт бўйича Шоқосимга овқат, ётиш учун жувозхона олдидан бир ҳужра берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир кун кечаси у [Отабек] янги одати бўйича аллақаёққа кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу Ўроз ҳар кунги одати бўйича, жийдага суялиб, ўзи ясаган кичкина дўмбирасини чала кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Оид, тегишли, доир. *Классик кураш бўйича мамлакат чемпионати бошланди.* Газетадан. *Рота бўйича навбатчи, кичик сержант Назаров эшитади.* Газетадан. *Чиннига гул солиш бўйича ишларни ишчи-рассом бажаради.* Газетадан. *Саводсизликни тугатиш бўйича ўқиш бир қадар йўлга тушиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Соҳасида, масаласида. *Ҳотам ака бригадаси мева етиштириш бўйича биринчи ўринга чиқиб олди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Станциянинг директори мен эмас, Сизсиз, қолаверса, министрликнинг асаларичилик бўйича инспектори ҳам сизсиз.* «Муштум».

4 Ҳолатида, шаклида. *Атроф тинч, саҳро яратилган бўйича гўё қотиб қолгандай.* К. Яшин, Ҳамза.

5 Ҳудуд-жой номлари билан бирга келиб, ҳаракат, ҳодиса ёки воқеанинг шу жойга таллуқли эканлигини билиради. *Туман бўйича. Вилоят бўйича.* ▬ *Бултур бутун Ўзбекистон бўйича пахтадан рекорд ҳосил олинди.* Газетадан. *1985 йили Европа бўйича узун мўйловлилар орасида биринчиликни олган туркиялик Аюб Тўпчи ўз мўйловини беш миллион лирага суғурта қилди.* Газетадан.

Шу бўйича *айн.* **шу бўйи** *қ.* **бўй** I.

БЎЙЛАБ *рвш.* **1** Ёқалаб, ёқасидан. *Дарё бўйлаб. Темир йўл бўйлаб.* ▬ *Ака-сингил – Олияхон билан Абдураҳмон – Бўзсув бўйлаб техникум томон йўл олдилар.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Оёққа елимдай ёпишаётган сўқмоқ бўйлаб кетишди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Улар Беруний майдонидан ўтиб, кенг ва катта кўча бўйлаб кетдилар.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 Иш-ҳаракатнинг йўналиш, амалга ошиш доирасини, ўрнини билдиради. *Жаҳон бўйлаб саёҳат қилмоқ. Дала бўйлаб кезмоқ.* ▬ *Шу куни Юсуфжон аканинг севикли шогирдларидан бири Тамарахоним Қрим бўйлаб гастролда эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Она биладики, энди ҳар наҳор Бутун Ватан бўйлаб тўлишар баҳор.* Ҳ. Олимжон. *Эрталабки шамол бу қоғозларни чўл бўйлаб учира бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

БЎЙЛАМОҚ 1 Ўз бўйи билан ўлчамоқ. *Сувни бўйламоқ.* ▬ *Ўлан эсга келмайди, ўйласам; Қорасув бўй бермайди, бўйласам.* «Оқ олма, қизил олма». *Ёр ваъдаси қийин экан, дўстларим, Дарёга ташладим, бўйим бўйламай.* «Қўшиқлар».

2 Бўйнини чўзиб қарамоқ; интилмоқ. *Ҳамсоямиз Қулмат полвон бозорлаб келди. Девордан бўйлаб, нарх-навони сўрадим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Қизчадан негадир дарак йўқ. Садбархон айвондан ўша томонга бўйлаб қўярди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Нигора дадасининг ёнига бориб, секин газетага бўйлади.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Ўзинг яшаётган чаманзордан туриб, олисдаги, энди сенга бегона бўстонга бўйлайсан.* «Ёшлик».

3 Сув, йўл ва ш. к. ни ёқалаб бормоқ. *Йўл бўйлаб бормоқ. Ариқ бўйлаб юрмоқ.* ▬ *Юринг, ўртоқ, ўйнайлик, дарёларни бўйлайлик.* «Қўшиқлар». *Дунёдаги энг марокли сайр болалик йилларини ўтказган кўчалар бўйлаб сайр этиш бўлса керак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Йўлчи саватни кафтида тутиб, Калковуз сувини бўйлаб, Тахтапул гузарига чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЎЙЛАНМОҚ Ҳидланиб қолмоқ, сасимоқ. *Гўшт бўйланиб қолибди.*

БЎЙЛАШМОҚ I Бирга айланиб юрмоқ, сайр қилмоқ. *..дарахтларга отларини бойлашиб, иккиси ҳам кўл атофида бўйлашди.* «Эрали ва Шерали». *У подшо саккизта вазири билан сўйлашиб, йўқ ердаги гапларни ўйлашиб, дарёларни бўйлашди.* «Луқмони Ҳаким».

БЎЙЛАШМОҚ II Бўй ўлчашмоқ; тортишмоқ, мусобақалашмоқ. *Дўстлар билан ўз касбимиз тўйлашдик биз, Баланд-баланд чўққиларни бўйлашдик биз.* С. Абдулла, Қозоғистон дафтари. *Тоғми у дегинг келар ёки хирмон, Кўк билан бўйлашувни қилар армон.* Газетадан.

БЎЙЛИ I Муайян бўйи бўлган, бўйга эга. *Баланд бўйли йигит.* ▬ *Шу пайт кўча бошида ўрта бўйли, қотмадан келган бир аёл кўринди.* Газетадан. *Кабинетга баланд бўйли, нозиккина, чиройли бир қиз кирди.* С. Зуннунова, Янги директор.

БЎЙЛИ II Исли, ҳидли, ҳиди бор. *Муаттар бўйли гуллар.*

БЎЙРА [*ф.* بوريا – бўйра, бордон; қамиш] Тозаланган қамиш чўпидан тўқилган тўшама. *Эсларингиздами.. Зокирхўжа қассоблар гилам устида ўтирганда, биз ўтиришга бўйра ҳам тополмас эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гадойбой бўйрага чордона қуриб ўтирди-да, фотиҳа қилди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Толзордаги тепаси бўйра билан ёпилган ёзлик чойхонада одам унча кўп эмасди.* С. Аҳмад, Сайланма.

Бир бўйра 1) эни-бўйи бўйра ҳажмича келадиган. *Бир бўйра ер.* ▬ *..уйининг орқа девори бир бўйра эни кесиб туширилган бўлиб, қорайиб кўринарди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир бўйра ернинг пичани ўриб олинса, бир машина чиқаверади.* М. Аҳмаджонов, Балли, зарбдорлар! *Рихсихон бир бўйрагина ерга экилган пиёзни ўтоқ қилаётган эди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди; 2) бир бўйранинг устига жой бўладиган. *Бир бўйра шоли.* **Бўйра пули** *тар.* Эски мактабларда талабалар ўтирадиган бўйраларни янгилаш учун вақти-вақти билан ота-оналардан олинган пул. *-Чоғимда, пайшанба пули ҳам, супурги пули ҳам, бўйра пули ҳам олмаса керак. Ё олармикана? - Йўғ-е, ўлибдими!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳозирги эски мактабларимизда болалар ҳар пайшанба нон ёки ноннинг пулини олиб борадилар. Бундан бошқа бўйра пули, кўмир пули.. ҳам бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЎЙРАЧЎП *эск.* Бўйра тўқиш учун ишлатиладиган қамиш чўпи ёки бўйрадан синдириб олинган чўп. *Домлани кўз қирлари билан кузатган ҳолда, бўйрачўпнинг бир ёнидан жиндек кертик қилиб, қўчқор ясадилар, сўнг иккови «қўчқор» уриштира бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЎЙРАФУРУШ [бўйра + *ф.* فروش – сотувчи] *эск.* Бўйра сотувчи, бўйра тўқиб, у билан савдо қилувчи. *Бўйрафурушни ҳам арвоҳ уриб кетди.* «Гулихиромон».

БЎЙСАРА *айн.* **бўйсира.** *Қандолатнинг қовоғи ҳам очилиб, суратга тушаётган дугоналардай, Барнонинг елкасига елкасини қўйиб, бўйсара турибди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

БЎЙСИРА Бўйларнинг паст-баландига амал қилган ҳолда саф тортиш; саф. *Бўйсиранинг энг олдида турган қизча.. олдинга чиқди-да, қабрни айланиб ўтиб, қўлидаги гулдастани ҳайкал тагига, мармар устига авайлаб қўйди.* А. Мухтор, Чинор.

Бўйсира бўлмоқ (*ёки* **турмоқ**) Бўйига қараб сафланмоқ, сафда турмоқ. *Бу мактабнинг талабалари – ўспирин йигитлар бўйсира (саф) бўлиб, шарқий мақомга гурсгурс қадам ташлаб ўтганда, кўчанинг икки юзини одам тутиб кетар эди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

БЎЙСУНДИРМОҚ Бўйсунмоқ фл. орт. н. *Душманни бўйсундирмоқ. Ўз манфаатларини халқ манфаатларига бўйсундирмоқ.* ▬ *У орзуларини, туйғуларини иродага бўйсундириб, йўлини ўзгартирар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Кўзингни ақлингга бўйсундир, бу ҳаммаси ишқ телбалиги.* У. Исмоилов, Сайланма. *Нарзи ҳақидаги ҳикояни қовуштириш, мантиққа бўйсундириш осон бўлмайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БЎЙСУНМОҚ 1 Бировнинг буйруғига, топшириғига итоат қилмоқ; йўл-йўриғига юрмоқ. *Кўпчиликка бўйсунмоқ.* ▬ *Начора, отанинг ҳукми вожиб, унинг иродасига бўйсунмай иложинг йўқ.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Табиатнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган, бировдан сўраб ҳам ўтирмайдиган ўз қонунлари бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Тан бермоқ, рози бўлмоқ, кўнмоқ. *Тақдирга бўйсунмоқ.* ▬ *-Раис ўз сўзларида шундай ноўрин, ноҳақ гапларни айтдиларки, бунга индамай қўя бериш ноҳақликка бўйсуниш бўлар эди, – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зотан, «фотиҳа» ўқилгандан сўнг, тақдирга бўйсунишдан бошқа чора қоладими – суриштиришнинг бирон фойдаси бўладими?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Тобе, қаратилган, йўналтирилган бўлмоқ, хизмат қилмоқ. *Бутун иш пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олиш вазифаларига бўйсуниши керак.* ▬ *Гапнинг бошқа бўлакларга бўйсунмай, эргашмай, ўзаро мослашиб келган бўлаклари бош бўлак дейилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

4 Қарамоғида, раҳбарлиги остида бўлмоқ; итоат қилмоқ. *Қуйи давлат идоралари юқори идораларга бўйсунади.* ▬ *У ўзига бўйсунган командирларга вазифани содда, равшан тушунтирди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ахир, у бевосита юқорига бўйсунади.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

БЎЙСУНУВЧАНЛИК Итоаткорлик, тобелик; розилик. *Васила Назаровна бу қиз-*

нинг руҳида бўйсунувчанлик эмас, исёнкорлик борлигини кўриб, тутақиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БЎЙЧАН Бўйи, қадди баланд; бўйдор, новча. *Бўйчан йигит.* ▬ *Қиз ҳали ёш бўлса-да, бўйчан эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жавҳар эса нозик қоматли, оқиш юз, кўзлари чақнаб турган, сочлари жингалак, бўйчан йигит.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ногаҳон фалакка урган каби дўқ, Сўзсиз қотиб турар бўйчан тераклар.* А. Орипов, Йиллар армони.

БЎЙЎСАР *с. т.* Қўлтиқ остида ёки чов орасида бўладиган без, бўйўсар без (эътиқодга кўра, гўё шу безлар шишган пайтда бўй ўсар эмиш).

БЎЙҚИЗ Бўйига етган, балоғат ёшидаги қиз. *Бўйқизларнинг ўсмаю сурма, баргагу тиллақош қутиси ҳам ишга тушиб, неча кун, неча ойлар тўйга тўй, қўшиққа қўшиқ уланиб ётди.* Т. Сулаймон, Қорасоч.

БЎКА I Баъзи ҳашаротларнинг тухумидан чиқадиган, қўшқанотлилар туркумига мансуб қурт (ўқалоқ); ҳайвонларнинг териси остида, ошқозонида, бурнида паразитларча яшаб етиладиган, қўшқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг умумий номи. *Қўй бўкаси. Қорамол бўкаси.* ▬ *-[Сигир] Мен етиб боргунимча, ўт чимдиб туради, етиб борганимдан кейин, менга бир қараб қўяди-да, худди сағрисига бўка тушгандай, яна ўйноқлаб қочади, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БЎКА II *шв.* Сайғоқ.

БЎКАЛАК *айн.* **бўка** I.

Бўкалак *(ёки* **бўкалаги бор***)* **бузоқ** Териси остида ўқалоғи бор бузоқ. *Ям-яшил қирларда бўкалак бузоқдай шаталоқ отиб юрган бир бола келиб-келиб хумга қамалган юмрондай бўлиб қолса.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

БЎКАЛАМОҚ Бўкадан зарарланиб, касал бўлмоқ ёки ирғишламоқ (от, мол ҳақида). *Ғафлатда қолган, эсанкираган фашистлар ёмғирдек ёғилаётган ажал ўқидан қутулиш учун бўкалаган молдек қоча бошлади.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

БЎКИРМОҚ 1 Овози борича бақирмоқ, ҳайқирмоқ. *Бойиб кетсанг, бўкирма, Йўл юрганда сўкинма.* Мақол. ▬ *Эгамбердиев маст туядай бўкирди.* А. Муҳиддин, Ҳадя. *Оллоберган тағин бир марта даҳшат билан: «Айт, айт, манжалақи!» деб бўкирди-да, хотинининг сочини бўйнига ўраб бўғмоқчи бўлди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Ўкирмоқ (асосан, ҳайвонлар ҳақида). *Жума куни, қўйлар маъраган, туялар бўкирган, отлар кишнаган.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *..ҳўкиз икки марта устма-уст бўкирса, «ўлиб қолса, нима қиламан» деб, кечаси билан жинчироқ кўтариб чиқаман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Овози борича, бор овоз билан бақириб йиғламоқ, уввос тортмоқ. *Баҳромбек марҳумнинг жонсиз гавдасини қучоқлаб, бўкириб йиғлар, на хотинига, на болаларининг фарёдига қулоқ соларди.* «Ёшлик». *Туролмади Холиёр, Йиғлаб берди бўкириб..* «Ойсулув».

4 *кўчма поэт.* Қаттиқ, шовқинли товуш чиқармоқ (техника ва жонсиз нарсалар ҳақида). *Ишонмасанг, ўқ отиб кўргил — бўкирворар саноқсиз қоя.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *..ел кетма-кет бўкирар, бунга чидай олмаган шох-шаббалар қарс-қарс синар, кекса ёғочлар «ғийқ-ғийқ» этиб, ёлбориш товуши чиқарар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Газ ҳамон бўкириб ёнар, куйган темирларни чиқариш давом этарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Танклар ўкириб, автоматлар бўкириб, ғиз-ғиз ўтиб туришарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БЎКМОҚ 1 Нам тортиб, намиқиб кўпчимоқ, шишмоқ. *Сувда бўккан нон. Бўкиб қолган тахта.* ▬ *Кеча ёмғир ёққан, ер бўкиб ётган бўлишига қарамай, ғўзапоя суғуришга тушишди.* Ойдин, Юрагида ўти бор. *Гугурт қути ҳам қозонсочиқ остида бўкиб ётган экан, сув юзига қалқиб чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Сув шимиб, шилта, шалаббо ҳолатда бўлмоқ, ивимоқ. *Ёмғирда бўккан Сафар ўзини торгина, олди очиқ йўлакка олиб, эшикни занжирлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..опанинг бўкиб кетган уст-бошига қараб, Юнусалининг юраги ачишди.* Ў. Ҳошимов, Камалак.

3 Керагидан ортиқ овқат еб, қорни шишиб, ўзини кўтара олмай қолмоқ. *Олдимда тоғ-тоғ ишлар турсин-у, мен, бўкиб қолган сигирдек, оёғимни узатиб ётайми?* Ў. Умарбеков, Юрак сўзлари. *Халфанинг ҳовли кезиб, у ёқдан-бу ёққа юраётганини кўрган Мелиқул ота ҳайрон бўлди. «Бу баднафс бўкиб қолди, шекилли», деб ўйлади.* Ё. Шукуров,

Қасос. *Бўкиб қолдингми, очофат, тур ўрнингдан, терт тайёрла.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

БЎКСА Гавданинг бел билан сон оралиғидаги қисми; ёнбош суяги қиррасининг атрофи. *Бўксам оғрияпти.* ▬ *Мана йигирма кундирки, Аваз калтак зарбидан бўксасини кўтаролмай, тор ҳужрада шифтга беҳол термилиб ётибди.* С. Сиёев, Аваз. *Саодат кампир қўлини бўксасига тираганча, паст, қийшиқ эшикдан ҳовлига кирди.* «Саодат».

БЎКТАРГИ I Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб кўчманчи йиртқич қуш. *Дашт бўктаргиси.* ▬ *Бўктарги ҳар хил ҳашаротлар, майда кемирувчилар, қушлар, калтакесаклар, қурбақалар ва б. жониворлар билан озиқланади.* «ЎзМЭ».

БЎКТАРГИ II Эгарнинг орқасига боғлаб қўйиладиган лўла ёстиқча. *Бўктарги оддий газламадан эски пахта солиб тикилади ва у сағриси камгўшт от устида эгарнинг текис, мустаҳкам туриши учун хизмат қилади.* «ЎзМЭ».

БЎКТАРМОҚ 1 Эгар орқасига бўктарги боғламоқ. *Отларнинг чирғи, жаҳалдириқ, эгарини босиб, айилини тортди, кўрпачани солиб, бўктариб, зартанг-зебартанг қилиб, айил-пуштанини тортди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Совутини бўктариб, Қалқонини тўнтариб, Йўлга тушди мард Ҳасан.* «Равшан».

2 Юмалоқлаб ўрамоқ (мас., шинелни).

БЎКТИРМОҚ Бўкмоқ фл. орт. н. *Шўрвага нон бўктирмоқ.* ▬ *У [Эшқобил] ариқ бўйига чўзилиб оларди-да, қотган нонни сувга бўктириб ер эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *[Жўра] Ярим пиёла сутга бир қисм сўкни солиб, бўктириб қўйди.* Н. Назаров, Замон.

БЎЛА I Бўлиқ, етилган; меъёрига етган. *Туйнугидан кўринмоқда қоплар тўла, Олтин каби тўқ донлари тоза, бўла.* F. Ғулом. *Ҳар битта бўла кўсак қалбдан бемалол уриб, Кўмкўк томирларида жони билиниб турсин.* «Ёшлик». *Ҳусни тўлган, кўркам, бўла, Қарашимни асир айлади.* Уйғун, Тонг қўшиғи.

БЎЛА II Опа-сингилларнинг болалари (бир-бирига нисбатан); холавачча. *Шу пайт эшикдан холамнинг шаҳарда ишлайдиган ўғли — Рашид бўлам кириб келди.* А. Кўчимов, Халқа. *Гўрдами, айланай, Асқад бўланг мен шўрликни қон қақшатиб кетиб қолгани рост.* «Ёшлик». *Ҳанифа унинг қўлига осилди: -Мени ўлдир, ўлдир, бўлажон!* «Ёшлик».

БЎЛАЖАК *кт.* **1 Бўлмоқ** I фл. кел. зам. шакли. *Бу совға бўлажак ўлкамизга зеб, «Фарҳод ва Ширин»да ёзилганидек.* F. Ғулом. *Шундагина аблаҳлар тезда яксон бўлажак.* З. Диёр.

2 Бўлиши маълум бўлган, кейинчалик бўладиган, бўлгуси. *Бўлажак куёв.* ▬ *Ўрмонжон бу нарсаларнинг ҳаммасига бўлажак лаборатория, бўлажак клуб, кутубхона, дам олиш уйи, радиотелефон, умуман янги қишлоқнинг куртаги деб қарар.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бўлажак завжамни ўша ерда кўриб, ошиқи беқарор бўлдим.* «Шарқ юлдузи». *Майли, бугун бўлажак келинингиз билан танишайлик бўлмаса.* «Гулдаста».

БЎЛАК 1 Бутуннинг бир қисми; қисм, парча, кесим. *Энгашиб, яшикдан икки бўлак кўмир олиб солди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қози пиёлани олдига қўйди-да, сўйилган анордан бир бўлагини олиб, йирик қизил доналарни кафтига уқалай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ниҳоят, у жонлироқ кесилган гўшт бўлаклари қолиб, бундайроқларини олиб, узата бошлади.* М. Мансуров, Ёмби.

Бўлак-бўлак қилмоқ Пора-пора қилмоқ, ўлдирмоқ. *Душманларни бўлак-бўлак қилмадим, Қайтайин, доғ қолди юрак ичида.* «Юсуф ва Аҳмад». **Гап бўлаги** *тлш.* Гапни ташкил этган ҳар бир мустақил сўз ёки сўз бирикмаси.

2 Нарсаларнинг тортиб, ўлчаб ажратилган ҳар бир қисми, донаси, ўрами. *Бир бўлак совун.* ▬ *Мирзакаримбойнинг хотини бир катта бўлак чойни Йўлчига бериб, Гулнорни имлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўйимизнинг эртасига совғага икки бўлак кирсовун олиб келган.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 *сфт.* Бошқалардан фарқ қиладиган; бошқа, ўзга, бошқача. *Бу бўлак гап. У бутунлай бўлак одам.* ▬ *Бундай пайтларда у ҳеч нарсани эшитмайди, ҳеч кимга қулоқ солмайди: ўзига хос бир бўлак дунёда — хаёл дунёсида яшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ундоқ эмас, янга, энди замон бўлак, энди давлат ҳисоб-китоб билан барака топади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Ўзига мустақил, алоҳида, ажратилган; бошқа-бошқа. *Уларнинг рўзғорлари бўлак.* ▬ *Ҳар кимнинг гўри бўлак!* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

Бўлак қилмоқ 1) қисмларга бўлмоқ. *Кўрсат йўлни, не кунларни соларман, Аждар-*

ҳони неча бўлак қиларман. Фозил шоир; 2) оила-рўзғорни ажратмоқ, бошқа қилиб қўймоқ. *Рўзғоримизни бўлак қилдик.*

5 *кўм. взф. (ч.к. сўз билан)* Бошқа, ташқари. *Бундан бўлак гапим йўқ.* ▬ *Элмурод, эрталабдан бери нон-чойдан бўлак ҳеч нарса емаганликдан, кўнгли озганлигини сезди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Карим аканинг ота-онаси эрта ўлиб кетган. Фазилат опадан бўлак ҳеч кими йўқ, камбағалгина йигит эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Укасидан бўлак Ҳамиданинг яқини қолмади.* «Ёш куч».

БЎЛАКДАН *шв. рвш.* Қайтадан, қайтатдан, бошқатдан. *Аризангиз бўлмайди, бўлакдан ёзинг.* ▬ *Шомирот Арасхонга гапирган гапини тилмочлик қилган одамларга бўлакдан маъқуллаб чиқди.* «Ўзбек халқ достонлари». *Нурали Ғиротнинг айил-пуштанини бўшатиб, қашлаб, супуриб, бўлакдан эгарлади.* «Нурали».

БЎЛАКЛАМОҚ 1 Бўлакларга, қисмларга ажратмоқ, бўлмоқ, парчаламоқ. *Бутунни бўлакламоқ.* ▬ *Дарвозасин бир тепиб, Бўлаклаб синдириб кетди.* «Гулнорпари». *Қиз тоғорачадан битта сабзи олди-ю, сочиққа артди, сўнг шошилмай бўлаклади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бошқалардан ажратмоқ, алоҳида қилмоқ. *Отни бўлакладим.*

БЎЛАКЧА 1 Кичкина бўлак, парча; бўлакнинг бўлаги. *Тош бўлакчалари.* ▬ *Бир неча ҳафтами, ойми, сен яшаган ана шу жойда алланарсанг қолгандай бўлади. Аллақаеринг жиз этиб кетади! Шунда қалбингнинг кичик бир бўлакчасини қолдиргандай ҳис қиласан.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Бошқаларидан, аввалгиларидан бирор жиҳати билан ёки тамомила фарқланадиган; бошқача, ўзгача. *Бўлакча илтифот. Бўлакча қараш.* ▬ *Тоғ-яйловнинг гашти бўлакча.* «Ёшлик». *Обиджоннинг бу қараши аввалги бефарқ қарашлардан мутлақо бўлакча эди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Хато қилибман, сен олов экансан, бўлакча йигит экансан.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЎЛАЛИ Яхши, меъёрда ўсган, дуркун, бўлиқ. *Бўлали бола. Бўлали қўзилар.* ▬ *Бўлали бола Нуралининг кўзига биров билан қучоқлашиб тургандай бўлиб кўринди.* «Нурали». *Ёшлигида ҳам бўлали бола эди, кўзимга таниш кўриниб турипти.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЎЛАЛИК 1 Етилганлик, тўлиқлик, барвасталик. *Гавдангиз, бўлалигингизга қараганда.. тоғни урса толқон қиладиган азамат йигит кўринасиз.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Меъёр даражасида бўлган; бўлали**.** *Бир қиз кўрдим бўлаликкина.* Газетадан. *«Каримахон, бўлалик туғибсиз» дейиши биланоқ хола «ҳай-ҳай, туф денг, опоғойи, туф-туф» деганини эслатди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

БЎЛАР 1 Бўлмоқ I **1** фл. сфдш. *Бўлар иш бўлди. Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар.* Мақол. ▬ *У гапга тутмаганида, чол бошини кўтариб, сафни кўрган бўларди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

2 *кесим взф.* Етар, бас, кифоя. *Шу ҳам бўлар.* ▬ *Отабекнинг бу сўзларидан кейин понсадбоши: «Энди бўлар», дегандек қилиб, қушбегига қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЎЛАР-БЎЛМАС 1 *рвш.* Бўлмасданоқ, бўлай деб қолганда. *Бечора турмуш қилганига бир йил бўлар-бўлмас шу дардга йўлиққан экан.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Булар ётганига ярим соат бўлар-бўлмас, тахминан юз эллик метр наридаги якка бута хиёл қимирлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Бирор иш, хатти-ҳаракатга асос, баҳона бўла олмайдиган; бўлмағур; арзимас. *Бўлар-бўлмас гап. Бўлар-бўлмас гапларни гапираверма.* ▬ *Аҳмад бригадир бўлар-бўлмас гапларни айтиб, Нусратбекнинг фикрини чалғитишни истамади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

Бўлар-бўлмасга Арзимаган нарсага, гапга. *Анзират хола ҳам юраги торгина бир кампир, бўлар-бўлмасга хархаша қилади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кўринишидан жуда ёқимтой, қаттиқ гапирмайди, бўлар-бўлмасга тутақиб ҳам кетмайди, сабр-тоқатли бир киши.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

БЎЛАШМОҚ 1 Бўлиб олмоқ; бўлишиб олмоқ, ўзаро тақсимламоқ. *Бир зоғорани бўлашиб едик.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Бир қоп ёнғоқни болаларга бўлашиб бераётсам, Иброҳимжон ёнимда турган экан.* «Аския».

2 Тарафини олмоқ. *Энди салом берганда ҳам сўрашмайман, Бировлар гап отганида бўлашмайман.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

БЎЛЖОР [*мўғ.* бўлзўўр / бўлзўў — келишганлик, шарт, ваъда] *тар.* 12—19-асрларда

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги туркий салтанатлар ҳарбий қисмларининг келишув асосида тўпланадиган жойи; ваъдагоҳ; ҳарбий позиция.

БЎЛИБ I **1 Бўлмоқ** I фл. рвдш. *Жами (ҳаммаси) бўлиб ўн киши. Нима бўлиб йиқилганимни билмайман.* ■ *Ўрмонжон қўшни колхозлардан келган меҳмонларни кузатиш билан бўлиб, уйига хийла кеч келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 От туркумидаги сўзлар билан бирикиб, «вазифасида», «сифатида», «ўхшаб» маъносида ишлатилади, мас. *тракторчи бўлиб ишламоқ, ўрнак бўлиб хизмат қилмоқ.* ■ *Самарқандлик бир бойга қарол бўлиб ёлланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чорладим булбул бўлиб: Шоҳиста, кел, Шоҳиста, кел!* А. Шер, Қадимги куй. *Ҳар тонгда қуёш унга йигит бўлиб боқади.* «Гулдаста».

БЎЛИБ II **Бўлмоқ** II фл. рвдш. *Иккига бўлиб, ярмини менга берди.* ■ *-Ботир акам тўғри айтяптилар, — деди Махсим унинг сўзини бўлиб.* С. Аҳмад, Ҳукм.

БЎЛИБ-БЎЛИБ *такр. с. рвш.* **1** Бўлакларга бўлиб, бўлак-бўлак қилиб; бўлаклаб. *Овқатга гўштни бўлиб-бўлиб солмоқ. Конфетни болаларга бўлиб-бўлиб бермоқ. Қарзни бўлиб-бўлиб тўламоқ.*

2 Ҳар бирини ёки ҳар бир қисмни алоҳида, айрим-айрим ҳолатда. *Юкни бўлиб-бўлиб ташимоқ. Дорини бўлиб-бўлиб ичмоқ.* ■ *Тўхта-чи, бу сўз бўлиб-бўлиб ёзилган, демак, биттамас, у учта бўлса керак.* К. Яшин, Ҳамза.

БЎЛИМ 1 Қисм, хона ва ш. к. га ажратилган нарсаларнинг ҳар бир қисми, хонаси; бўлмаси. *Бинонинг бўлимлари. Кеманинг бўлимлари.*

2 Идора ва турли ишхоналарнинг маълум иш билан шуғулланадиган ҳар бир қисми; муайян идорага қарашли қуйи идора, шўъба. *Вазирликнинг кадрлар бўлими. Институтнинг бўлимлари. Шаҳар молия бўлими.* ■ *Вакилларнинг унча катта бўлмаган аппаратида озиқ-овқат, молия ва маъмурий бўлимлар бор.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Маориф бўлимида иш қизғин эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Маҳвашнинг отаси — район молия бўлимининг мудири.* Т. Ашуров, Оқ от. *Нусратбек алоқа бўлимига икки-уч марта бориб, уйи билан гаплаша олмади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 Магазин, музей, омбор ва ш. к. нинг бир турдаги нарсалар тўпланган (қўйилган) ҳар бир қисми. *Магазиннинг пойабзал бўлими. Музейнинг қадимги дунё бўлими.* ■ *Магазинда ҳозир ўн бешта бўлим ишлаб турибди.* Газетадан. *Вақт ўтказмай, [магазиндан] ўзингизга керакли бўлимда бир зумда ишингизни битириб чиқасиз.* Газетадан.

4 Илмий иш ёки бадиий асарнинг, даврий нашрлар ва тўпламларнинг ҳар бир мустақил қисми. *Диссертация беш бўлимдан иборат. Романнинг учинчи бўлими. Журналнинг библиография бўлими. Газетанинг эълонлар бўлими.* ■ *Бирор абзацга келиб, сўнгра қараса керак, деб ўйладим. Йўқ, бир неча бет ва ҳатто катта бир бўлимдан ҳам ўтиб кетди, қарамади.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. *Студентлик чоғларимда редакциялардан бирига шеър олиб бордим. Бўлимдагиларга маъқул бўлиб, олиб қолишди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

5 Ўлчов асбобларининг кўрсаткичлари оралиғи. *Термометр бўлимлари.*

БЎЛИМЛИ *кам. қўлл.* **1** Бўлали, бўлиқ, дуркун, етилган. *Беклар, қадимнинг бўлимли йигити деб, унинг [Тўғонбекнинг] елкасини қоқдилар.* Ойбек, Навоий.

2 Ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон. *Ёш бўлса ҳам, ўзи бўлимлигина, қизларга бошроқ.* «Юсуф ва Аҳмад».

БЎЛИМСИЗ *кам қўлл. айн.* **ландавур**. *-Аканг жуда тентак, жуда бўлимсиз йигит,— деди ниҳоят пўнғиллаб бой.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЎЛИМЧА Бўлим ичидаги, таркибидаги кичик бўлим; шуъбача. *Идоранинг бўлим ва бўлимчалари. Диссертациянинг бўлим ва бўлимчалари.*

БЎЛИНИШ 1 Бўлакларга, қисмларга, шохобчаларга ажралиш. *Маъмурий бўлиниш. Сонларнинг касрсиз бўлиниши.*

2 *биол.* Энг содда организмларнинг иккига ажралиб урчиши. *Ҳужайранинг бўлиниши.*

БЎЛИНМА 1 *мат.* Бир соннинг иккинчи сонга бўлиниши натижасида келиб чиққан учинчи сон, бўлиш амалининг натижаси. *Мас,. 18 : 6 = 3. Бу ерда 3 сони бўлинмадир.* «ЎзМЭ».

2 *ҳарб.* Йирикроқ ҳарбий қисм таркибидаги кичикроқ ҳарбий бирлик (мас., полкда — батальон, дивизион; батальонда — рота). *Миномётчилар бўлинмаси. Ўқчилар*

бўлинмаси. ▬ *Бўлинма кечагина душман батареяси турган тепаликни айланиб ўтди ва жангсиз илгарига қараб юрди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

БЎЛИНМАС Бўлиб, ажратиб, тақсимлаб бўлмайдиган. «*Атом» юнонча сўз бўлиб, «бўлинмас» деган маънони билдиради.*

Бўлинмас фонд Жамоа хўжаликлари, ширкат хўжаликларининг аъзолари ўртасида тақсимланмайдиган жамғармалар. *Бу йил кўпгина хўжаликлар жамоа даромадининг деярли 30 фоизини бўлинмас фондларга ажратмоқдалар.* Газетадан.

БЎЛИНМОҚ I *(фақат кўм. фл. взф.)* **Бўлмоқ** I фл. мажҳ. н. *У [Отабек] эгарлаб бўлинган отини ҳовлига қараб етаклай бошлаганда, ҳалиги қараб турган бош ҳам девордан қуйига тушиб йўқолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЎЛИНМОҚ II **Бўлмоқ** II фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Ёнғоқ иккига бўлинди. Сўз бўғинларга бўлинади. Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер.* Мақол. ▬ *Бир парча гўшт ўн парракка бўлинди.* М. Мансуров, Ёмби. *Жангчилар, кичик гуруҳларга бўлиниб, қишлоқ оралаб кетдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Болам, оиланинг иккига бўлиниб туриши қийин.* Мирмуҳсин, Умид.

БЎЛИНУВЧИ 1 Бўлакларга, қисмларга ажралувчи, ажраладиган.

2 *мат.* Бирор сонга бўлиниши керак бўлган иккинчи сон.

БЎЛИС [*р.* волость — эгалик қилмоқ] *с. т. тар.* **1** Ўтмишда Россия ва унга тобе ҳудудларда уезд таркибидаги бир қанча қишлоқни ўз ичига олган маъмурий бўлинма. -*Мингбоши, — деди у [ҳоким].. —Бўлисингда ишга чиқмайдиган битта ҳам одам бўлмаслиги керак!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Андижон атрофидаги Қўқонқишлоқ бўлисида рўй берган воқеа маъмурларни ғоят таҳликага солиб қўйди.* «Фан ва турмуш». *Бўлис маҳкамасининг кенг ойна равонли ёруғ хонасида гоҳ туриб, гоҳ ўтириб, тинмай ўй суряпти.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Шундай маъмурий-ҳудудий бўлинма ҳокими. *Бўлисимиз Раззоқвойнинг қоғози билан кеча шаҳарга тушиб, китоб, дафтар, қоғоз, қалам, яна аллақанча дов-даскак олдим.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

БЎЛИШ I **Бўлмоқ** I фл. ҳар. н. [*Эшвой*] *Камбағал бўлишига қарамай, Йўлчининг оиласига қўлдан келганча ёрдам кўрсатар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ким эдик?.. Бу саволга бериладиган жавоб ҳам қизиқарли бўлиши керак.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Овчи бўлиш учун қизиқишнинг ўзи кифоя қилмайди, нишонга тўғри ура билиш зарур.* Шукрулло, Сайланма.

Маълум бўлишича *крш. с.* Шу (нарса) маълум бўлдики, аниқланишича. *Маълум бўлишича, булар бу ерга ўтиргани эмас, бир одамни қидириб киришган экан.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

БЎЛИШ II **1** Муайян қисм, бўлакларга ажратиш; тақсимлаш. *Даромадни колхозчилар ўртасида бўлиш. Пулни тенг бўлиш.*

2 *мат.* Бир сонни иккинчи сонга тақсимлаш амали.

БЎЛИШЛИ: бўлишли феъл *тлш.* Тасдиқни ифодаловчи феъл шакли. *зид.* **бўлишсиз феъл.**

БЎЛИШМОҚ I **Бўлмоқ** I фл. бирг. н. *Дўстлар ўйланиб туриб, кейин бахтларини синамоқчи бўлишибди.* «Эртаклар». *Илгари «синглим» деб турган йигитлар, сал ўтмай, «опа» дейдиган бўлишди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

БЎЛИШМОҚ II Кўмаклашмоқ; ён босмоқ, тарафини олмоқ. *Бўлмаганга бўлишма.* Мақол. *Ёмон ёвга бўлишар.* Мақол. ▬ *Сизга Шукуржон айтган экан-ку унинг қанақа ишлар қилганини, нима қилардингиз унга бўлишиб.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Ўн тўрт кунда осмонда ой тўлишаркан, Меҳнаткашлар бирбирига бўлишаркан.* «Қўшиқлар».

2 *этн. шв.* Битишмоқ, унашмоқ, келишмоқ. *Асрорқулнинг ўғли Ёдгорбой аскарликни битириб келганда, Ҳайдар отанинг жиянига бўлишамиз, деб туришган эди, мана бу уруш чиқди-ю, тўй кейинга қолди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

БЎЛИШМОҚ III **1 Бўлмоқ** II фл. бирг. н. *Тенг бўлишмоқ.* ▬ *Ўрмонжон Абдусаматқори билан тил бириктириб, икки юз йигирма беш саржин ўтин сотган ва пулини иккови бўлишиб олган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ифтордан сўнг чуғурлашиб, рамазон айтиб, йиғилган нарсаларимизни бўлишиб бўлгач, катталар олдига секин бўйларимизни кучимиз етгунча чўзишиб борардик.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Ўртада баҳам кўрмоқ. *Топганини бўлишмоқ.* ▬ *У* [*Фотима*] *мақтаниш учун эмас, балки ўз қувончини бирдан-бир яқин*

қариндошлари билан бўлишмоқчи, улардан.. яхши сўзлар эшитмоқчи эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

БЎЛИШСИЗ: бўлишсиз феъл *тлш.* Инкор ифодаловчи феъл шакли. *зид.* **бўлишли феъл.**

БЎЛИҚ 1 Яхши ўсган, дуркун; тўлишган; тўла, семиз. *Лаълининг бўлиқ гавдаси унга икки-уч ёш улуғворлик қўшиб турар, яқинда мактабни битирган қизга ўхшамасди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Тез-тез нафас олганида, бўлиқ кўкраклари кўтарилиб-кўтарилиб тушади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Бу париваш.. жиякли қизил атлас лозими ял-ял ёниб, бўлиқ болдирини қучоқлаб турган, ўзи алвон турли гулларни суғориб юрган Шаҳзодахон эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шарофат хола қуртхонага кириб, сўкчакдаги вишиллаб барг еб ётган бўлиқ қуртларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.* Ғайратий, Довдираш.

2 Бўрсилдоқ, кўпчиб турган, бўз. *Биров бўлиқ ерга омоч соляпти, бирови ёш-ёш ўғилларини ёнига олиб, ариқ ковлаб, юқорига тупроқ отади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Бўлиқ тупроқ бағрини ёриб, нозик-яшил майса уйғонди.* «Саодат». *..аллақаёқда бўғиққан момақалдироқ гулдураб, беозоргина ёмғир савалаб ўтди, бўлиқ тупроқ ҳиди анқиди.* А. Мухтор, Чинор.

3 Яхши ривожланган, баравж; тиқмачоқ, *Буғдой шундай ўсиқ ва бўлиқ эдики, бу масофадаги пастқам тепаликлар, сойликлар билинмасди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Қовунлар бўлиқ палак орасидан мўралаб, мени уз деяётгандек.* Газетадан. *Пахтакорларимиз асосий эътиборни.. бўлиқ кўсак тўплашга қаратдилар.* Газетадан. *Ғўзанинг шохларида маржондек тизилган бўлиқ, семиз кўсаклар гўё чимматларини очиб, жамолини кўз-кўз қилаётган гўзал қизларга ўхшайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Мўл, баракали (ҳосил ҳақида). *Бўлиқ ҳосил билан сахий куз келди.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Ўз вақтида, хатонинг олдини олиб берилган ишлов ғўзаларнинг бўлиқ ҳосилга киришига ёрдам берди.* Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинглар.

БЎЛИҚМОҚ Тўлишмоқ, чирой очмоқ. *Тўла унинг [Самаднинг] санаторийдан анча бўлиқиб, тарам-тарам қизил югуриб келган иссиқ юзига ҳавас билан тикилиб: -Тузуксанку, — деди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

БЎЛКА [*пол.* bulka — кичикроқ юмалоқ нон] *с. т.* Буғдой унидан тайёрланган, кўпинча ғишт шаклидаги узунроқ нон. *Оқ бўлка. Ширин бўлка.* ▬ *..кейинги ҳафтада, ўртоқлар, меҳнат интизоми заводимизда худди сувга тушган бўлкадек бўшашиб кетди, — деди Мирҳайдаров.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

БЎЛМА 1 *айн.* **хона**. *Икки бўлмали кичкина, пастқам уй, томи босай деб турибди.* С. Сиёев, Аваз. *Келин-куёв хонага киришди. Уй эгаси нариги бўлмага ўтиб, нимадир деб ғўнғиллади.* С. Сиёев, Аваз. *Низом хушлар-хушламас овқатланганидан сўнг, ётоқ бўлмага кирди.* «Ёшлик». *Дўкон икки бўлмадан иборат эди: кичкина айвончадан ўтиб кириладиган даҳлиз ва соч-соқол олинадиган ичкари хона.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *айн.* **бўлим 2**. *Фабрикаларнинг ишга чақирувчи гудоклари чалинди: бўлмаларда, цехларда, станоклар ёнида яна қизғин ҳаёт бошланди.* Туйғун, Станоклар ёнида.

БЎЛМАГАН 1 Бўлмоқ I фл. сфдш. *Уйимизда меҳмон бўлмаган кун йўқ. У ҳеч вақт бу ерда бўлмаган.* ▬ *Поэзиянинг менга маълум бўлмаган сирларини айтиб берди.* Шукрулло, Сайланма. *Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди.* «Фан ва турмуш».

2 Асоси йўқ, бўлмағур, пуч. *Бўлмаган гап. Бўлмаган хаёллар.*

БЎЛМАСА 1 Бўлмоқ I **1** фл. 3-ш. бўлишсиз шакли. *Бўлмаса, бўлмас! Униси бўлмаса, буниси бўлар. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур.* Мақол. ▬ *Зарур иш бўлмаса, чақиртирармиди.* «Гулдаста».

2 *зидл. боғл.* Акс ҳолда, йўқса. *Ҳар куни хонадонимизда янги гап чиқиб туради. Бўлмаса, қайнонамнинг уйқуси келмайди.* Газетадан. *Уйлансам, Маҳбубага уйланаман, бўлмаса, фронтга ариза бериб кетаман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 *крш. с.* Шундай бўлса, шундай бўлган тақдирда, у ҳолда. *Бўлмаса, нима қил дейсиз, яна икки йил кут, дейсизми?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Майли, бўлмаса, бориб жиндек мизғиб олай.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қизингни Тошкент жўнатишга кўн, бўлмаса.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўлмаса, ҳозир борайлик-да, кейинги мажлисда ёзармиз.* Ҳамза, Танланган асарлар.

Ё бўлмаса Ё, ёки, ёхуд. *Кампирнинг аҳмоқлиги, ё бўлмаса, душманингизнинг иғвоси учун мени шундай дейишга қандай тилингиз борди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..ё бўлмаса машу [мана шу] қилтириқ бўйнингдан жонингни суғуриб оламан!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

4 Демак, маълум бўлдики. *Бўлмаса, илгаридан эрингизнинг ўша ҳаракатларини ҳам билар экансиз-да?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Бўлмаса, мени хушламабди-да! — деди йигит чолнинг сўзини бўлиб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Бўлмасам-чи Тасдиқ жавоб сифатида ишлатиладиган ибора. ▬ *-Бўлмасам-чи, — деди Элмурод, — ўзим курашга тушмайманда. Тушсам, бу полвон писанд эмас, кўтариб ура бераман!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бўлмасам-чи! Теварак-атрофда мен кўрмаган жой йўқ.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Оз бўлмаса** *қ.* **оз**. **Ҳеч бўлмаса** Лоақал, ақалли; жуда бўлмаганда. *Мирза Муҳиддин ўрин кўрсатиб, ҳеч бўлмаса, пойгакдаги кўрпачага ўтиришини сўради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Сатторқул баҳорда қари-қартангларни йиғиб: -Бекордан ҳамма безор, ҳеч бўлмаса, бир қутигина қурт тутмайсизларми? — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЎЛМАҒУР 1 Асоси йўқ, асоссиз, таги пуч. *Бўлмағур хаёллар.* ▬ *Бе, бўлмағур гапни қўйсангиз-чи. Эшитмасангиз, кўрмасангиз, қаёқдан биласиз!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бўлмағур гапни бу ерда бозор кўтармайди, Холжон.* Ғайратий, Довдираш.

2 Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, одобдан ташқари, қўпол, ножўя. *Бўлмағур гапларни оғизга олманг.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ярамас, разил; ахлоқсиз. *Мен албатта кўзингизнинг оқу қораси бўлган ёлғиз қизингизни ярамас, бўлмағур кишига тутиб берасиз, деб билмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЎЛМИШ *эск.* **Бўлмоқ** I **1** фл. сфдш. *Келин бўлмиш қиз. Куёв бўлмиш йигит. Отамиз бўлмиш киши.* ▬ *-Қуда бўлмишимиз ҳолжонимга қўймаяпти, узатиб, ўйинқароқ қизи тушмагурдан тинчиб қўя қолсаммикин деган ўйим бор, — деди Тошхоннинг онаси.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Шу кундан бошлаб Муҳаммад ибн Аҳмад ҳам, унинг она бўлмиши ҳам муҳтожлик балосидан қутулди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БЎЛМОҚ I **1** Юз бермоқ, воқе бўлмоқ. *Кеча мажлис бўлди. Бугун бир қизиқ воқеа бўлди.* ▬ *Бир ойдан кейин худди мана шу катта боғда данғиллама тўй бўлди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бўлди кулги! Айниқса, Мирраҳимов завқ қилиб кулди..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Келмоқ, бошланмоқ; ўтмоқ, кечмоқ (фасл, давр, пайт ва ш. к. ҳақида). *Баҳор бўлди. Кеч бўлди. Вақт бўлди.* ▬ *Бувайдадан чиқиб кетганимга йигирма йилдан ошгандир, кўп ҳам бўлгандир.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Баҳоланмоқ, бирор нархга олинмоқ ёки сотилмоқ. *Сигир қанча бўлди? — Арзон бўлди. Бўлиши қанча? — Олаверинг, от билан туя бўлармиди!*

4 Амалга ошмоқ, битмоқ. *Бўладиган иш. Бўлмайдиган иш. Ҳамма иш бир ҳафтада бўлади. Ўқиш қаноат билан бўлади.* ▬ *Шунақасиз-да, бўлмайдиган гапга ишониб, бўладиганига ишонмайсиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Энди бўлар иш бўлди, Асрорқул отага айтманг.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

5 Тахт ҳолга келмоқ, тайёр бўлмоқ, битмоқ. *Қишлигимизни ҳозирдан ғамлаб олдик. Кийим-кечагимиз бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Етарли бўлди деб ҳисобламоқ; тўймоқ. *Ошни олинг! — Раҳмат, мен бўлдим.*

7 (*ч. к. сўз билан) кўчма* Тўймоқ; кўрибилиб хафсаласи қайтмоқ; жонига тегмоқ. *Мен доридан бўлдим. Мен ҳаммаларингдан ҳам бўлдим.*

8 Тугатмоқ, охирига етказмоқ. *Ишим кўп эмас, бир-икки соатда бўлиб қоламан.* ▬ *-Мана, бўлди, — Муқаддам игна ўрнини спиртли пахта билан артиб жилмайди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол.

9 Ярамоқ; тўғри, мувофиқ келмоқ. *Бу иш менга бўлмайди Бу пальто сенга бўлади. Ўзига бўй бўлмаган, ўзгага енг бўлмас.* Мақол.

10 Эга бўлмоқ; бор, мавжуд бўлмоқ. *Бўлгани шу, бошқа йўқ. Бундай ёрдамчининг бўлганидан бўлмагани яхши.* ▬ *Бунинг ўрнига ҳидлар таркибида бўлган зарралардан фойдаланса бўлмасмикин?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Деҳқоннинг оти бўлади-ю, ишга солинмайдими?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

11 Бирор жойга бориб, ташриф буюриб, маълум вақт турмоқ, қўнмоқ, яшамоқ.

Хоразмда кўп бўлганман. Ҳайвонот боғида бўлмаганман. ▬ *Сиз бизнинг ҳовлида бўлганмисиз?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Кўп марталаб меҳмон бўлгандим, — деди қутидор, — ул вақтда бобонгиз ҳам ҳаёт эдилар,* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дадангиз бу ерда ҳам, шаҳар ҳовлимизда ҳам бўлган.* Ойбек, Танланган асарлар.

12 Бирор-бир тадбирда иштирок этмоқ, қатнашмоқ, ҳозир бўлмоқ. *Тўйда бўлдингизми?* ▬ *Яхши, сен бу тўртовининг ўтиришларида бўлганмидинг?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

13 Ўсмоқ, битмоқ (ўсимлик, ҳосил ҳақида). *Бизнинг ерларда хурмо бўлмайди. Ўзбекистонда пахта яхши бўлади.* ▬ *Бу ерга анжир эк, лагандай бўлмаса, калламни ол.* Ойбек, О. в. шабадалар.

14 Бирор даражага етмоқ, ўз наслига тортмоқ. *Одам бўлмоқ. Ўқиб инженер бўлмоқ. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.* Мақол. ▬ *Университетни битираман, кандидат, доктор бўламан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

15 *(ч. к. сўз билан)* Дунёга келмоқ, туғилмоқ. *Чўридан бўлган бола.. унинг устига — қиз, бийнинг шаънига иснод эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. -*Ҳой, мингбошининг ҳаромидан бўлган қизи, қанисан, бу ёққа кел! — ўшқирди бойвачча.* К. Яшин, Ҳамза.

16 (*ч. к. сўз билан*) Келиб чиқмоқ, туғилмоқ. *Саломат Наманганнинг Чортоқ қишлоғидан бўлади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

17 Бирор ҳаракат ёки нарсанинг етарли бўлганини, меъёрдан ошганини, қониққанликни, мамнунликни ифодалайди. *Бўлди, кетмонларни бир ерга тўпланглар, кетдик.* С. Кароматов, Олтин қум. -*Бўлди, — қиз кулакула кафти билан юзини тўсди. — Бўлди, Марат ака, тавба қилдим..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Э, бўлди-бўлди. Шодибекнинг ўғлиман, денг?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Мана, Эрмат ота, мана бу иш бўптида.* П. Турсун, Ўқитувчи.

18 Бирор ҳаракат, тадбирни маъқулламоқ, унга қўшилмоқ. *Бўпти, боради! Бироқ Хўжабекова кўнармикан?* С. Анорбоев, Оқсой. *Бўпти. Сизнинг ташаббусингизни қувватлаймиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Хўп бўлади, — дедим-у, ўрнимдан турдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

19 Сифат туркумидаги сўзлар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади, мас., *ҳайрон бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ, кир бўлмоқ. Оз бўлсин, оз бўлса ҳам, соз бўлсин.* Мақол. ▬ *Жоним билан, Рустамжон ака. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.* К. Яшин, Ҳамза. *Шовшув кўтарма! Дадангиз хабардор бўлиб қолса, яхши бўлмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

20 -(а)р, -(а)диган, -(й)диган, -моқчи аффиксли феъллар билан қўшилиб, истак, майл маъноларини билдиради. *У [Отабек] кўз ёшларини тўхтатмоқчи бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шундан кейин четдан келган одамларга ҳушёр кўзим билан қарайдиган бўлдим.* «Муштум». *Уй қиладиган бўлсангиз, менинг кўнглимга ҳам қаранг-да.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Гулсумбиби қизи дам олгандан кейин, кечаси ёки эртага астагина билдирмоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

21 -дай, -дек аффиксли феъллар билан қўшилиб, иш-ҳаракатнинг жараёни, ҳолатини билдиради. *Ҳамроқул сувни ичиб, бир оз ўзига келгандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ногоҳ Бектемир даҳшатли тушдан уйғонгандек бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Туриб-туриб, гоҳо уни тушимда кўргандай бўламан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

22 -(и)б аффиксли равишдошдан кейин кўмакчи феъл вазифасида келиб, иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини билдиради. *Самандаров хатни ўқиб бўлди, унинг устига кафтини қўйиб, Тўлаган акага қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аёл пахтасини тўкиб бўлгунча, Ғуломжон унга ер остидан разм солиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

23 Бўлишсиз шаклларда келиб, иш-ҳаракатнинг амалга оширилиши қийинлигини ёки мумкин эмаслигини билдиради. *Ит оғзидан суяк олиб бўлмас.* Мақол. *Сўз чумчуқ эмас, Оғиздан чиқса, тутиб бўлмас.* Мақол. *Ёз ёмғири лой бўлмас, Ўғри асло бой бўлмас.* Мақол. ▬ *У йиғлаб юбормасликка ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, бўлмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

24 От кесим таркибида боғлама вазифасида келади. *Ўктам Абдуллаев мактабга директор бўлди. Бу киши бизнинг тоғамиз бўладилар.* ▬ *Эркак одам бир сўзли бўлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бола вужуди нозик бўлади.* Газетадан. *Хотин кишининг кўз ёши ширин бўлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *[Қушбеги:] Қутидор билан Отабекнинг кими бўласиз, синглим?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бор бўлинг *қ*. **бор. Бўлган экан** Иш, аҳвол яхши эмас экан. *Ия-ия, улуғ, сиз ҳам шу гапни айтдингизми? Сизки шундоқ десангиз, роса бўлган экан-да.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Йўл бўлсин** *қ*. **йўл. Муборак бўлсин** *қ*. **муборак. Ош бўлсин** *қ*. **ош. Шу-шу бўлди-ю** *қ*. **шу. Қутлуғ бўлсин** *қ*. **қутлуғ. ..билан бўлмоқ** 1) бирор томон билан бирга қолмоқ. *Ё мен билан бўл, ё у билан бўл;* 2) бирор нарса ёки кимса билан банд ёки овора бўлмоқ. *Тўпанисо Сидиқжоннинг сўзини эшитмаган ва ўз ўйи билан бўлиб, бошқа ёққа қараб ўтирган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **-са бўлгани** -са яхши бўлур эди. У *келса, бўлгани. Ёмғир ёғмаса, бўлгани.* **-са бўладими** Ногаҳон юз берган воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилаётганда ишлатилади. *Саҳарга яқин Аччида кетаётган эдим, рўпарамдан йўлбарс чиқиб қолса бўладими.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Роҳилабуви ўлгур, тикиб кийиб олса бўладими!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЎЛМОҚ II **1** Бутунни (синдириб, қирқиб, ёриб ёки бирор бошқа йўл билан) бўлакларга ажратмоқ, бўлак-бўлак қилмоқ. *Патирни тўрт бўлмоқ. Қоғозни иккига бўлмоқ.* ▬ *Шерзод қиличи билан шерни иккига бўлиб ташлади.* «Эртаклар». *Юк машинаси чангни қоқ иккига бўлиб, йўлга тушди.* Н. Қобул, Беморлар.

2 Маълум қисмларга, гуруҳларга ажратмоқ, тақсимламоқ. *Асарни бобларга бўлмоқ. Болаларни гуруҳларга бўлмоқ.*

3 *мат.* Бўлув амалини бажармоқ, ечмоқ. *Катта сонни каррали кичик сонга бўлмоқ.*

4 Ўртада тақсим қилмоқ, улашмоқ. *Даромадни бўлмоқ. Меросни бўлмоқ.* ▬ *Хотинлар дастурхондаги.. туз, майиз ва чойни бўлиб олишди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Йигитлар истеҳкомга боришиб, ўқ-дориларини бўлиб олишди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 Ташкилот, муассаса, корхона ва ш. к. ни кичикроқ мустақил қисмларга, бўлимларга ажратмоқ. *Институтни иккига бўлмоқ.*

6 *кўчма* Гап, сўз, суҳбат ва ш. к. ни тўхтатиб ёки кесиб қўймоқ. *Эшикдан кириб келган махдум уларнинг сўзини бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бектемиров гапини тугатмаган ҳам эдики, Турсунбой ота келиб, суҳбатни бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

7 Шахснинг хаёли, фикри, ўйи ва б. га халақит бермоқ, уни чалғитмоқ. *Ёқимсиз, жирканч кулги Аҳмаднинг хаёлини бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳамиша иш чоғида келиб, фикримни бўласан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ғайрат унинг фикрини бўлмаслик учун, миқ этмай бормоқда.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

БЎЛСА 1 Бўлмоқ I фл. шарт шакли. *Олим бўлсанг, олам сеники.* Мақол. *Тўғри бўлсанг, бехавотир бўласан.* Мақол. ▬ *Кимнинг хулқи ёмон бўлса, у ўзини азобга гирифтор қилади.* «Фан ва турмуш».

2 *зидл. боғл.* Эса. *Мен келавердим, у бўлса қолди.* ▬ *Қушбеги бўлса негадир узоқ ўйлаб ўтирар, тезда гап очмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаққуш бўлса тўхтовсиз сайрар, ёз шабадасида унинг овози гоҳ секин, гоҳ баралла эшитиларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

БЎЛТАК *шв.* **1** Майда қисмларга бўлинган, парчаланган; бўлак-бўлак. *Бу ерларнинг тарихи деганда, отанинг кўз олдида.. яланғоч дашт, қўрғонлар, пастак деворлар, бўлтак ерлар.. гавдаланади.* Й. Шамшаров, Довруғ.

2 *эск.* Гуруҳ, бригада. *Ҳар бир бўлтакка тарозу бериш бирмунча оғир кўчади.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

БЎЛТАК-СЎЛТАК Ҳар хил бўлакларга бўлинган; бўлак-бўлак, парча-пурча. *Бўлтак-сўлтак ерлар.*

БЎЛУВ I **Бўлмоқ** I фл. ҳар. н. *Чет эл делегацияларининг Ўзбекистонда бўлуви.* ▬ *Менимча, бу мироб — ҳосилотликка муносиб бўлуви мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

БЎЛУВ II **1 Бўлмоқ** II фл. ҳар. н. *Ахир Иброҳимбек билан айри тушув — кучни бўлув демакдир.* «Шарқ юлдузи».

2 *мат.* Бир сонни бошқа бир сонга тақсим қилиш амали. *Касрларни бўлув. Бўлув ишораси.*

БЎЛУВЧИ I **Бўлмоқ** I фл. сфдш. *Уларнинг ҳар бир ўйинига, ҳар бир ҳангомасига «онабоши» бўлувчи Тўхтасин ўртоқларини йиғди, уларга ивир-шивир билан бир нимани тушунтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Умид, дарҳақиқат, безори, қолоқ фикрли, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлувчи шахс қилиб кўрсатилибди.* Мирмуҳсин, Умид.

БЎЛУВЧИ II **1 Бўлмоқ** II фл. сфдш. *Бўлувчига оз, Оз бўлса ҳам соз.* Мақол. ▬ *Гапирганни бўлувчи, йиқилганни тепувчи бўлма.* Газетадан.

2 *мат.* Бирор сонни бўлиши керак бўлган бошқа сон. *Бўлувчи билан бўлинманинг кўпайтмаси бўлинувчига тенг.*

БЎЛУК *тар.* **1** Мўғуллар истилоси давридан 19-асргача Мовароуннаҳр ва Хуросонда шаҳар атрофидаги шаҳарга тобе ҳудудлардан иборат маъмурий-ҳудудий бирлик.

2 Ҳарбий қисм, бўлинма. *Мингбоши Қулназарҳожи ўз бўлуги билан дарвозадан чиқиб, шарқ томон йўл олди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Сиз бу йигитни ўз бўлугингизга олиб, от минмоқ, қилич урмоқни ўргатинг.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БЎЛҒУСИ 1 Бўлмоқ I фл. кел. зам. шакли. *Ҳар ким таъма йўлин тутса агар пеш, Оқибат бир куни бўлғуси дарвеш.* Газетадан.

2 *сфт.* Келажакда бўлиши муқаррар ёки эҳтимолга яқин; бўлажак. *Ҳурмат момо кечқурун урчуғини қўлтиғига қистириб, гурунг баҳона, бўлғуси қудасиникига ўтди.* «Саодат». *Моҳира оғзи қулоғида, бўлғуси келинини мақтади.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

3 *от* Яқин ёки узоқ келажак вақт; келажак. *Буни бўлғуси кўрсатади.*

БЎМ-БЎШ Тамоман, мутлақо бўш, қуруқ; тап-тақир; ҳувиллаб ётган. *Бўм-бўш идиш. Бўм-бўш уй.* ▬ *Соҳил бўм-бўш, ҳувиллаб ётибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Олдинда душман, орқада эса бузилган йўллар, бўм-бўш саҳро.* «Шарқ юлдузи». *Биттаю битта шам ёқилган юз кишилик улкан саропарда бўм-бўш ва нимқоронғи эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ҳаво булутли, касалхона ҳовлиси бўм-бўш эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

Юраги (*ёки* **кўнгли) бўм-бўш** Бирор иш қилишга ҳафсаласи, иштиёқи қолмаган, ҳафсаласи пир бўлган; ноилож. *Ҳеч бир нарса жалб этмас уни. Бу кун бўм-бўш менинг юрагим.* «Гулдаста». *Шу топда бу одамга ҳеч қандай ёрдам бериш қўлидан келмаслигини ўйлади-ю, кўнгли бўм-бўш бўлиб, палатага кирди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Бўм-бўш бўлиб қолади юрак, Ўғлим, меҳр адо бўлган чоқ!* «Саодат».

БЎНАК 1 *тар.* Бирор иш юзасидан иш берувчиларнинг иш бажарувчиларга олдиндан берадиган қарзи. *-Баракалла! — деди Абдухалилбек. —Буниси — бўнаги, иш битгач, яна.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ем-хашак йўқ, бир пой ҳўкиз орик-турук, Қайдан бўнак олиш билмай, ҳамён қуруқ.* Ғ. Ғулом. *Мен ишимга қараб сўрай бераман, сиз бўнак қилиб бераверасиз.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

2 *тар.* Устанинг ўз шогирдига унинг ишлаб бериши ёки кейинчалик қайтариши шарти билан берадиган қарз пули. *Бечора косиблар олдинроқ олиб, еб қўйган бўнакнинг эвазига тишларини тишларига қўйиб, ҳар қанча оғир гап эшитсалар ҳам, чидаб туриб.. жавоб қилар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

3 *бух.* Маош ҳисобидан ой охирида ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул; аванс.

БЎНАКДОР Бўнак олган, бўнак олиб қарздор бўлган шахс; дебитор.

БЎНАКЧИ *тар.* **1** Бўнак бериб, одам ишлатувчи шахс. *Мендан бўлак бўнакчининг қўлига тушганингизда, бирини икки қилиб оларди.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг невaралари.

2 Бўнак олган шахс, қарздор. *Битта менмас, бечора-бекас Бўнакчилар бойдан норози.* М. Али, Боқий дунё. *Фойда тушар! Кеч куздан деҳқон — Бўнакчилар беришар пахта.* М. Али, Боқий дунё.

БЎПТИ *с. т.* **1** Бўлибди. *Яхши бўпти. Ажаб бўпти.* ▬ *Иш деган мундоқ бўпти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Энди мени кўпчиликнинг ичида изза қилмоқчи бўпти-да.* Шукрулло, Сайланма.

2 Таклифга розиликни билдиради: бўлади, хўп, майли, яхши, маъқул. *Бўпти, ҳозир фақат бир шарт билан..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бўпти, қайноқ-қайноқ чой ич-да, бориб ёт.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бўпти, ака, полвон бола билан ишласак ишлабмиз-да, шу баҳона бизнинг ҳам суратимиз газетада чиқиб қолса.* С. Аҳмад. Уфқ.

БЎР Оҳактошнинг майда заррали оппоқ юмшоқ тури. *Бўр билан оқламоқ. Бўр билан ёзмоқ.* ▬ *Ҳеч гапдан хабари йўқ Искандар ака, бир қўлида латта, бир қўлида бўр, анграйиб қолди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Дераза ойнасини бўр ёки ярим стакан сувга икки қисм тиш порошоги солиб артсангиз, ялтираб кетади.* «Саодат».

БЎРАЛАМОҚ Шиддат билан ёғмоқ (бўронли қор ҳақида). *Бўралаб қор ёғарди, ноилож машинани тўхтатиб, қор тинишини кутдик.* «Шарқ юлдузи». *Бўралаб ёғаётган қор кўз очиргани қўймас, лекин йиғилган одамлар.. совуқдан киприк қоқмас эдилар.* С.

Зуннунова, Гулхан. *Қор шамол аралаш ҳамон бўралаб ёғарди.* «Ёшлик».

Бўралаб сўкмоқ Оғизга келганини қайтармай устма-уст сўкмоқ. *Мен бўралаб сўкиб бердим, бу ургандан ҳам баттар бўлди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ошно нонвой бўлишга кўнди, лекин Яхшибоев унамади. Саройбонни бўралаб сўкди.* М. М. Дўст, Лолазор.

БЎРАМОҚ *кам қўлл. айн.* **бўраламоқ**. *Кун ботиб, осмон қорайган, аммо тўхтовсиз бўраб ёғиб турган қордан ер тобора оқараётган пайтда Элмурод.. қор учқунларини томоша қилар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЎРБОЙ *шв.* Тақим, болдир. *Азонда туриб этик кияман деса, этик кўнжидан ўтмайди бўрбойи.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

БЎРДОҚИ 1 Гўшт учун боқиб семиртирилган мол. *Бўрдоқи қўй. Бўрдоқига боқмоқ.* ▬ *Бўрдоқини сўйишга қассобни чақирайми?* Ҳамза, Танланган асарлар. *Орадан икки ой ўтгандан кейин қараса, қўй бинойидек бўрдоқи бўлиб қолибди.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *Ярим ойлик моянасига саккизта бўрдоқи товуқ келади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 *кўчма* Бекор ётиб ёки бировнинг ҳисобига яшаб семирган одам ҳақида. *Ҳа ўша.. бир умр меҳнаткашнинг сувини сиқиб ичган бўрдоқи Матқовулнинг ўзи.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Бўрдоқидай лорсиллаб кетяпсан кундан-кунга, озишинг керак.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 *кўчма* Бўлиқ, тўлиқ, етилган. *Бўрдоқи ҳар бир кўсак. Етилган дурдонамиз.* Р. Бобожон, Танланма.

БЎРДОҚИБОҚАР Молларни бўрдоқига боқиш билан шуғулланувчи киши.

БЎРДОҚИЧИЛИК Чорвачиликнинг молларни бўрдоқига боқишга ихтисослашган тармоғи; бўрдоқи боқиш. *Бўрдоқичилик фермаси. Бўрдоқичилик давлат хўжалиги.* ▬ *..бўрдоқичилик базаси тоғлар бағрида жойлашган.* Газетадан. *..бўрдоқичилик базасида яна бир ем-хашак тақсимловчи линия ишга туширилди.* Газетадан.

БЎРЁ *шв. эск. айн.* **бўйра.** *Юрган — дарё, ўтирган — бўрё.* Мақол. ▬ *Ғурбату андуҳу меҳнат бошима айлаб ҳужум, Най каби жисмимни янчиб, бўрё қилди мени.* «Ўзбек шоиралари».

БЎРИ I **1** Сутэмизувчиларнинг итсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон; қашқир. *Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер.* Мақол. *Бўридан қўрққан тўқайга кирмас.* Мақол. ▬ *Сувонжон қўрага ҳужум қилган бир оч бўрини отиб олибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу чўлда бирам бўри кўп эканки, кечаси билан қўрқиб чиқдим.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Ёвуз, қонхўр, шафқатсиз одам ҳақида. *Юрагим сан эдинг, Гулнор, кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирармидим? Тонгла маҳшарда қай юз билан санга боқаман?* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмад Ҳусайн оқариб кетди-ю, лекин индамади, чунки бўрилар орасида эканини яхши биларди.* Ойбек, Нур қидириб. *Бадиа хона бурчагига тисарилди. Рўпарасида турган дахшатли бўридан кўз узмасди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бўри (эркаклар исми).

Бўри боқиш (*ёки* **қараш) қилмоқ** Қўрқинчли, даҳшатли қарамоқ, еб қўйгудек қарамоқ. *Бир қўлида теша, Санобарга бўри қараш қилиб яқинлашди.* К. Яшин, Ҳамза. **Бўри ейдими** «Нимадан қўрқасан» деган маънода ишлатиладиган ибора. [*Ҳаёт*:] *-Воей, сизам бир қизиқсизки, буви, нима, мени бўри еб кетармиди? — деди-ю, ҳовли этагига юриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Латифжон ҳиринглаб: -(дипломни) бўри ермиди, уйнинг тўрига экиб қўйганман, — деди.* «Муштум». **Бўримисиз, тулкимисиз?** «Қуруқ қайтдингизми ёки ундириб?» деган маънода ишлатиладиган ибора. *[Ҳасан:] Қуруқ келишга уялдим-да, тақсир! [Қодирқул:] Қани, бўримисиз, тулки?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам қон** «Ёмонлиги билан танилган, ёмонлигини қўйса ҳам, қўймаса ҳам — ёмон» деган маънода ишлатиладиган ибора. *Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон.* Шукрулло, Сайланма. **Бўри туғди** *(ёки* **болалади**) Кун чиқиб туриб, ёмғир ёғаётганда айтиладиган ибора. **Бўри қулоғи овда** Номаълум кишилар ёки айғоқ-ағёрлар гап пойлаб юргани ҳақида ўз кишисини огоҳлантириш учун ишлатиладиган ибора. **Қўйни бўрига топширмоқ** Бирор нарсани ёки ишни энг кўп зарар етказадиган ёки суиистеъмол қиладиган, оқибатсиз кишига топшириб қўймоқ. *Муродова билмайди. Шунинг учун кейинги аризани Давроновга юборибди. — Қўйни бўрига топширибди-да.* И. Раҳим, Ихлос.

БЎРИ II *астр.* Осмоннинг жанубий ярим-шарида жойлашган юлдузлар туркуми.

БЎРИБАҒИР *бот.* Итжумуртгуллилар оиласига мансуб, барги тухумсимон, гуллари сарғиш-яшил бута ёки паст бўйли дарахт.

БЎРИБОСАР Чорва моллари подаларини бўрилардан сақлайдиган ва ўтов-қўраларни, уй ва ҳайвонларни қўриқлайдиган, кўкраги кенг, оёқлари бақувват кучли ит. *Яхшиям, ишончли бўрибосарлар бор. Улар бўлмаса, молчиларнинг аҳволига вой, деяверинг.* К. Яшин, Ҳамза. *Ақлли бўрибосарлар сурувларни бўйлаб олдинга чопиб борадиларда, то ҳаммаси ўтиб бўлгунча, чўзилиб ётиб дам оладилар.* А. Мухтор, Чинор. *Йўловчи* [*чўпонга*] *яқинлашган заҳоти дум ва қулоқлари кесилган бўрибосар итлар галаси унга ташланди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

БЎРИГУЛ *бот.* Кендирдошлар оиласига мансуб, ётиқ илдизпояли, доимо яшил бўлиб турадиган кўп йиллик ўт. *..бўригулдан нафас олишни кучайтирувчи эрвинин, қон босимини камайтирувчи эрвалин алкалоидлари олинади.* М. Аҳмедов, Колхозда химия кечаси.

БЎРИКАЛЛА Қовун навларидан бирининг номи. *Лекин куз фаслида бозорга тушган қовунхўрлар бу лаззатли неъматларнинг «бўрикалла», «асати» каби номларини билавермайди.* «Фан ва турмуш». *Ҳар бўрикалла қовун тимсолида кўра билинг, она қизим, яратувчи, донишманд халқимиз меҳрин.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

БЎРИКЎЗ *бот.* Меваси ейиладиган, тиканли ўсимлик тури.

БЎРИТАРОҚ *бот.* Гулхайридошларга мансуб, пояси тик, сершох, гуллари сариқ, бир йиллик бегона ўт.

БЎРИҚ *шв.* Оқжўхорининг пояси, жўхорипоя.

БЎРИҚМОҚ *айн.* **буриқмоқ 1**. *Яхшибоев ўрнидан сапчиб турди. Кўзлари қонга тўлган, юзи бўриқиб кетган эди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Йигитларнинг киприкларини чанг босган, юзлари иссиқдан терлаб, бўриқиб кетган эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

БЎРК *эск***.** Ошланган қоракўл теридан цилиндр шаклида тикилган бош кийим, телпак. *Бош омон бўлса, бўрк топилади.* Мақол. *Бошсиз бўрк бўлмас, Тойсиз — турк.* Мақол. ▬ *Шу пайт шийпон ичидан бошига бўрк кийган Ботир чиқди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қилич зарбидан Хонзода бегимнинг бошидаги бўрки учиб кетди-ю, узун сочлари ёйилиб, елкасига тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Бош ёрилса, бўрк остида (*ёки* **ичида)** Оилавий ёки ички жанжал, низоларни ташқарига чиқармаслик кераклиги ҳақида айтиладиган ибора. *Бош ёрилса, бўрк ичида, дейдилар, — бўлар-бўлмасга катталарни ишдан қўйиб ғириллайвериш хунук нарса.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Эҳтимол, бошқаларнинг хотинлари ҳам шунақадир, у қаёқдан билсин: бош ёриғи бўрк ичида, қўл синиғи енг ичида.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Бўрк ол деса, бош (***ёки* **калла) олмоқ** Буюрилгандан ортиқ жазоламоқ, ҳаддан оширмоқ. *Бўрк ол деса, бош олиб келадиган довюрак йигит эдинг-ку! Нима бўлди?* Уйғун, Асарлар. *Санамай саккиз дейдиган, бўрк ол деса, калла оладиган баъзи терговчилар қўлини тиззасига уриб, шошиб қолдилар.* Газетадан.

БЎРЛАМОҚ Бўр суркаб оқартирмоқ. *Деворларни бўрламоқ.*

БЎРОЗ *шв.* **1** Бўйи етган, етилган қиз.

2 *кест.* Қари қиз. *Худо кўтарсин сен инжиқ бўрозни!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У кейинги йилларда қизини бўлар-бўлмасга урадиган, ҳаёсизларча «бўроз» деб сўкадиган бўлиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

БЎРОН 1 Тўзон ёки қор-ёмғир аралаш эсадиган шиддатли шамол. *Бўри бўронда қутурар.* Мақол. ▬ *Ҳамма ёқни қум бўрони қоплади. Омон кўринмай қолди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Қум бўрони ўтов кигизларини, балиқчиларнинг тўрларини осмонда учириб юрди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Заргаров тўхтаб, пастга тушди. Атроф зим-зиё, бўрон қутуриб кўз очирмасди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 *кўчма* Тўхтамасдан ёғ(ил)аётган нарса. *Тўпларнинг ўқ бўрони аввалги куч ва ғазаб, қаҳр билан самода ҳукмрон эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *кўчма* Шиддатли, давомли ҳаракат, оқим; тўфон. *-Халқнинг қудратига, бўронига ҳеч қандай тоғ дош келолмас! — деди-да, Султонмурод чиқиб кетди.* Ойбек, Навоий. *Наҳот ёвуз бўрон хасдек учиргай? Қайнар томиримда оташин қонлар.* «Гулдаста». *Халқ қўшиқчиларни қарсак ва қийқириқ бўрони билан олқишлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

4 Ички, руҳий кечинмалар ғалаёни, туғёни. *Лекин ичидаги ҳалиги жанг бўрони бир*

нафас ҳам тинмади. «Муштум». *Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, шунақа гаплардан кейин ошиқ қалбида бўрон кўтарилмайдими?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Қўзғалинг, ҳей, ҳис-туйғулар бўрони, Кўпдан сизга кўз тутардим умидвор.* Дилшода, Умидим. *Бу сўзлар Йўлчининг юрагида бўрон ясади, у тотли, завқли ҳаяжон билан қалтирарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Хавф-хатар, даҳшат. *Тинчлик дарахтини оловлардан, бўронлардан асрашимиз керак.* «Саодат». *У не-не дарёларнинг тўлқинларини ўлим бўронлари орасида кечиб ўтмади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сенга на бўронлар кор қила олур, Сени на йўқотиб, бор қила олур.* А. Орипов, Йиллар армони.

6 *кўчма* Бало, офат, кулфат. *Нифоқ бўрони хароб этган Хоразмни осонликча забт этиб, беҳисоб ўлжалар олиб келганидан у хурсанд.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ана ўшанда кўрасан Хоразмда фитна бўронининг бошланишини.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Халқлар бошига зулм бўронини ёғдирган ва офатлар келтирган сариқ вабо — Гитлер машинаси зил кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

7 Бўрон (эркаклар исми).

БЎРОНЛИ 1 Бўрон билан ўтган ёки бўрон бўлиб турган. *Бўронли қиш туни.* ▬ *Кечаси бўлиб ўтган бўронли ва момақалдироқли жаладан сўнг ҳаво сокин эди.* Газетадан.

2 *кўчма* Кескин, шиддатли кураш, қизғин жанг ва ш. к. билан тўлиб-тошган. *Кўнглимга битмас фароғат берди онам алласи, Бўронли йиллар жасорат берди онам алласи.* Ё. Мирзо.

3 *кўчма* Жўшқин, туғёнли. *Уни ёш ва бўронли қалби Олиб кетди олис шаҳарга.* А. Орипов, Руҳим. *Юлдузлар мисоли кулганда руҳим, Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим..* А. Орипов, Йиллар армони.

БЎРОНҚУШ(ЛАР) *зоол.* Найбурунлилар туркумига мансуб, сувда яшашга яхши мослашган денгиз қушларининг бир тури. *У Фурқатни бўронни олдиндан кўра билган бўронқуш деб атади.* Газетадан.

БЎРСИЛДОҚ 1 Бўрсиб, кўпчиб, билқиллаб турган. *Бўрсилдоқ тупроқ.* ▬ *Ер қор сувига тўйдими, деҳқоннинг омади келгани шу: тупроқ кўпчиб, бўрсилдоқ бўлиб кетади.* М. Назаров, Жилвон жилвалари. *У она қуёшнинг иссиқ тафтини бериб турган юмшоқ, бўрсилдоқ ерга чўккалади, ундан бир чимдим тупроқ олиб, кўзларига суртди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Биққидай семиз, лўппи. *Баҳодир қизнинг бўрсилдоқ қўлини ушлаб хайрлашар экан: -Демак, театр, санъат институтига кирар экансиз-да? — деди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. *У [Жавҳарий] ўзининг бўрсилдоқ бош бармоғини эгиб, Раҳимовани кўрсатди.* «Фан ва турмуш».

Бўрсилдоқ нон Кўпчиб пишган юмшоқ нон. *Ресторан ёнгинасида, новвойхонада иссиқ бўрсилдоқ обинон ёпиляпти.* Газетадан. *Лекин ҳаёт дегани фақат мураббою бўрсилдоқ нондан иборат эмас-да.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

БЎРСИЛЛАМОҚ 1 Етилиб, бўшашиб кўпчимоқ, семирмоқ. *Кечаги ёмғирдан кейин бўрсиллаб ётган ҳовлига ялангоёқ сакраб тушди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кечагина пахталар бодроқдай очилиб ётган майдонлар шудгордан кейин қор остида бўрсиллаб ётибди.* Газетадан. *Пойлаб деҳқон йўлини Бўрсиллайди бўз тупроқ.* А. Суюн, Олис тонглар.

2 Иссиқдан ёки тез ҳаракатдан терлаб-пишиб кетмоқ. *Ўринбой ҳам велосипедда ҳарсиллаб-бўрсиллаб келиб қолди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадалари. *Қўпол ботинкасини дўқиллатиб, иссиқда бўрсиллаб-ҳарсиллаган Аҳмад келди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

БЎРСИМОҚ 1 Бир оз димиқиб, ҳидланиб қолмоқ, сасинқирамоқ. *Айниқса, ҳозирги саратон кунларида тўйларда тез бузилиб, бўрсиб қоладиган таомларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан истеъмол қилиш керак.* Ш. Хўжаев, Тўйдан сўнг. *Бизга берилган овқатнинг гўшти бўрсинган экан.* «Ёшлик».

2 Намдан шишмоқ, кўпчимоқ. *..ер кузда ҳайдалса, айни муддао бўлади, қиши билан қор тагида кўпчиб, баҳор чиққанда, ошган хамирдай бўрсиб туради.* Газетадан.

БЎРСИҚ Сутэмизувчилар туркумининг сувсарсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон. *Тоғларда одатда айиқ, бўри, ёввойи чўчқа, силовсин, бўрсиқ, тулки, жайра учрайди.* «Ўзбекистон Республикаси» (энциклопедия).

Бўрсиқдай семирмоқ Ҳаддан зиёд семирмоқ. *Элмурод молларнинг тагини кўрар экан, ўзича ўйлади: сенлар бўрсиқдай семириб яша-*

ю, шунча одам очликдан қирилсинми? П. Турсун, Ўқитувчи.

БЎРТИК Бирор нарсанинг бўртиб, туртиб чиққан ери. *Бадандаги бўртик. Деталнинг бўртиги.* ▬ *Унинг юзи сўлиган, кўзларининг оқи кўкарган, тиришган бўйнининг бўртик кўкиш томирларида юракнинг уриши сезилиб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЎРТИҚ *айн.* **бўртик**. *Хонага бир неча йигит кирди. Ғўлабурроқ, бўртиқ қовоқли йигит бугунги иш якунини баён қилди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

БЎРТМА 1 Новданинг кесилган, ўсимликнинг пайвандланган жойида ҳосил бўладиган қадоқ ёки қабариқлар. *..новдалар бўғимга тақаб кесилганида, бу жойда бўртмалар ҳосил бўлади.* Р. Мусамуҳамедов, Мўл узум ҳосили.

2 *сфт.* Бўртиб, туртиб чиққан; бўрттириб ишланган. *Бўртма нақш.* ▬ *..бир устунида «Амали Саидумархўжа» деб бўртма нақш билан ёзиб қўйган.* С. Айний, Эсдаликлар. *Комила.. ўртоғининг оқ-сариқ, узунчоқроқ нозик юзига, бир оз бўртма қовоқларига.. тикилди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

БЎРТМОҚ 1 Амал олмоқ; кўкара бошламоқ; унмоқ. *Баҳор.. ўриклар оппоқ гуллади, олча новдалари мунчоқ-мунчоқ бўртди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар. *Қор кетди ва заминда Бўртди илк гиёҳ.* «Ёшлик».

2 Кўтарилиб чиқмоқ, туртиб чиқиб турмоқ. *Собир аканинг.. чакка томирлари бўртиб чиққан, кўзлари ичга ботган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *У умр бўйи кўксини беркитмаган, анордек қизғиш кўксидаги суяклар бўртиб чиқиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *..бўйи чўзилиб, кўкраклари бўртиб чиққан гўзал қиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бу тор, таранг кийимда унинг келишган қомати янада бўртиб турарди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Ёнғоқнинг юзага бўртиб чиққан йўғон илдизи устида икки ёш ўтирибди.* «Ёшлик».

3 Қизариб шишинқирамоқ, андак шишмоқ. *Салтанатхон кўчага чиққанда, икки юзи қизариб, бўртиб турарди.* «Муштум». *Марзия хола иссиқдан юзлари бўртиб кетган неварасини бағрига босди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

4 *кўчма* Ёрқин кўринмоқ, намоён бўлмоқ; уйғонмоқ. *Бунда қариндошчилик муносабатининг давр йўриғига хос товланишлари бўртиб туради.* «ЎТА». *Чўккалаб ичаман ҳовуч-ҳовуч сув, Дилларда яшамоқ ишқи бўртади.* Газетадан.

БЎРТОҚ *айн.* **бўртик, бўртиқ.** *Туркистонга келди навбаҳор! Яшил қирлар, бўртоқ куртаклар.* М. Али, Боқий дунё.

БЎРТТИРМОҚ 1 Бўртмоқ фл. орт. н. *Томирларини бўрттириб гапирмоқ. Нақшни бўрттириб ишламоқ.*

2 *кўчма* Жуда аён, яққол қилиб кўрсатмоқ, ифодаламоқ; ошириб юбормоқ, кўпиртирмоқ. *Ҳамон бетўхтов ёғаётган қор эса нимтатир ойдинликни янаям бўрттириб кўрсатарди.* «Шарқ юлдузи». *Мардиев.. сув масаласида вазият оғирлигини янада бўрттириб кўрсатиш учун чуқур хўрсинди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Расулжон Комилович.. ҳадеб нуқсонларни бўрттиравергандан кўра, уни бартараф қилишга киришинг.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Омил ўртоғининг кўнглини очиш учун тунги воқеани бўрттириб ҳикоя қилди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

БЎСА [*ф.* بوسه – ўпич, муччи] *кт., поэт.* Меҳр, муҳаббат, эркалаш, ўта ҳурмат изҳори сифатида лабни бирор кимса ёки нарсага тегизиш, ўпиш; муччи. *Бўса бермоқ. Бўса олмоқ.* ▬ *Элмурод Зебони кузатиб қўйиб, иссиқ бир бўса ҳарорати билан қайтиб келгач, узоқ ухлолмади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Севишганлар қўли бир-бирига чирмашди. Дудоқларда бўса чақнади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бўсасини алмашмайман бол билан, Ёрга етдим армон билан, зор билан.* «Қўшиқлар».

БЎСАҒА 1 *айн.* **остона**. *Ёмоннинг тўрида ётгунча, Яхшининг бўсағасида ёт.* Мақол. *Ёмон кучук бўсағада ҳурар.* Мақол. ▬ *Алимат эшик тутқичини ушлаб, бир нафас бўсағада туриб қолди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Бўри Пайғамов, эшик очилиб, бўсағада Нусратбек кўриниши билан, юзлари яшнаб, ўрнидан туриб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *кўчма* Бирор ҳудуд, манзилнинг кириш, бошланиш жойи, остонаси. *Қорабуғрохон бошлиқ кўчманчилар ўрдаси ҳозир Самарқанд бўсағасида.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *«Берлиннинг бўсағасида турибмиз», деб мартда бир хат келган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Минглаб кичкинтойлар мактаб бўсағасига биринчи марта қадам қўядилар.* Э. Қодиров, Янги марралар сари.

3 *кўчма* Бирор маросим, муҳим сана ва ш. к. арафаси, бошланиш даври. *Ўтган йил билан ҳам хайрлашдик. Янги йилнинг қутлуғ бўсағасига қадам ташладик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *У ғалаба қасрининг олтин бўсағасида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Армия бўсағасида турган навқирон йигитларга тилагим — Ватанимизнинг муносиб қалқони бўлишсин.* Газетадан. *Сидиқжон худди зўр бахтга эришган ёки ўшандай бахтнинг бўсағасида тургандай, терисига сиғмай.. эски ҳаётини эслагиси ҳам келмай юрар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

БЎСТОН [*ф.* بستان — боғ, томорқа, полиз] *поэт.* **1** Гул билан қопланган, гул экилган майдон; гуллаб-яшнаган боғ. *Меҳнат қилинмаса, бўстон қаерда.* Ғ. Ғулом. *Тоғлар қопқасини ошиб ўтган он, Рўпарамда очилди бўстон.* Т. Тўла. *Хилма-хил гуллар хушбўй ҳид сочиб, бўстонни яшнатиб турар, шишадек тиниқ сувлар шилдираб оқиб ётар эди.* «Чалпак ёққан кун».

2 *кўчма* Боғ-роғли обод ер, яшнаган, гуллаган жой. *Ўзбекистон — бўстон.* ▬ *Чўлни бўстон қилишга Келди сочи сунбуллар.* «Қўшиқлар». *Салом, мактаб, ҳаёт бўстони, Келдим тўнғич ўғлим етаклаб.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Яхши киши чўлда бўстон яратар, тиканликда чин гулистон яратар.* «Қўшиқлар». *Соқижон, энди қаддим букилди, Душманларим кўнгли энди бўстондир.* «Нурали».

3 *кўчма* Оғуш, қучоқ; дунё, олам. *Истадим сайр айламоқни мен ғазал бўстонида.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони. *У бир умр маъшуқасига интилиб, ниҳоят, унинг васлига етган бахтиёр ошиқдай, шеърият бўстонига қулоч ёйиб кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Соф бу ишқ бўстонида раънолани6сиз мунча ҳам.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Энди болалик бўстонидан ҳатлаб ўтиб, ўспиринлик фаслига қадам қўйгансиз.* М. Осим, Карвон йўлларида.

4 *кўчма* Севгили, ёр, рафиқа. *Қайда қолди ёру дўстлар, умр бўстоним қани?* «Шарқ юлдузи». *Эй ҳаёт, сен мени бўстонимдан айирдинг, қувончга тўла севгимдан айирдинг.* Газетадан.

БЎТА I **1** Туянинг бир ёшгача бўлган боласи, бўталоқ. *Сабр қилсанг, туянинг юкини бўта кўтарар.* Мақол.

Бўтадай бўзламоқ *қ.* **бўзламоқ**.

2 *кўчма* Болаларни, ёшларни бўталоққа қиёс қилиб, эркалатиб айтиладиган сўз. *Лекин, бўтам, бу фикрга мен унча қўшилмайман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Мен, бўтам, сизнинг тадбиру саботингизни синаб кўрмоқчи эдим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бўта (эркаклар исми).

БЎТА II *эск.* Олтин, кумуш, мис ва ш. к. ни эритиш учун ишлатиладиган қадимий асбоб, думалоқ косача; тигель.

БЎТАКЎЗ 1 Мураккабгуллилар оиласига мансуб, бинафша ёки ҳаворанг гулли бир йиллик бегона ўт. *Уйимиз олдида чучмомалар ўсарди. Биз уларни бўтакўз деб терар эдик.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Олтиндай товланиб ётган ариқлар ичида тўқ сафсар рангли бўтакўзлар очилиб ётар, улар тунги юлдузлар сингари кўз қисиб товланарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *кўчма* Туя боласининг кўзига ўхшаш чиройли кўз; шаҳло кўз ва шундай кўзли киши. *[Фарғонанинг] Қизлари сизга ўхшаган бодомқовоқ, бўтакўз бўлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ўлан айтиб ўтирган бўтакўзим, Бари қиздан яхшисан ёлғиз ўзинг.* «Оқ олма, қизил олма». *Яхши экан сизнинг олган қизингиз, Қутли бўлсин, жезна, бўтакўзингиз!* «Гулнорпари».

3 Бўтакўз (хотин-қизлар исми).

БЎТАЛА Лойқалашган, яширин, мудҳиш, ифлос. *Нафиса эса зийрак «одамгарчилик» тубида қанақа бўтала ниятлар ётганини фаҳмлаб.. ўзи улуғ, супраси қуруқ.. «ватанпарварлар»дан хафа бўлди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

БЎТАЛОҚ 1 Туянинг боласи, бўта. *Ҳа, эсимда, бўталоқ бирам кўҳлик, кўзлари катта-катта, мулойим, ёқимли, зийрак эди.* Ойбек, Болалик. *Шайбонийхон бўталоқ жунидан тўқилган майин жойнамоз четига қайтиб ўтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма айн.* **бўта 2**. *Сира ҳам ташвиш тортма, бўталоғим. Тез-тез келиб, ҳолингдан хабар олиб тураман.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Биласанми, бўталоғим, табиий фанлар даврнинг зарурий эҳтиёжларидан вужудга келади.* С. Кароматов, Олтин қум.

БЎТАЛОҚКЎЗ *айн.* **бўтакўз 2**. *Мен қадди чоғроқ, бўталоқкўз, кенг ёноқли, сариқ бола бўлиб ўсдим.* А. Мухтор, Асарлар.

БЎТАМЛАМОҚ Болани бўтага қиёс қилиб, бўтам деб эркалатмоқ, ардоқламоқ.

Шул замонда Гулистоннинг султони бўтамлаб, қўзимлаб.. йиғлади. «Муродхон».

БЎТАМОҚ Аралаш-қуралаш ҳолатга келтирмоқ, чалкаштирмоқ, чувалаштириб юбормоқ. *Бу уй яна кўп уйларни эргаштириб келиб, фикрини бўтаб юборди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

БЎТАНА 1 Лойқа, қум, тупроқ кабилар аралашган (сув ҳақида). *Бир жойга тўпланиб, тутқун бўлиб турган бўтана сув қирғоқни бузиб юборди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Сой ва ариқларда сумалакранг бўтана шиддати ошиб боради, пишқиради.* С. Нуров, Нарвон.

2 Лойқасимон, кир тусли, хира. *Қиём бўтана бўлмай, тиниқ тусда бўлиши лозим.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

БЎТАНОҚ *шв. кам қўлл. айн.* **бўтана.** *..ёзда лойқа, қишда бўтаноқ ариқ суви ҳамманинг меъдасига теккан эди.* Газетадан. *Қишлоқнинг ўтмиш қиёфаси ёзда чанг, қишда лой тор кўчалар.. қора чироқ, бўтаноқ сув.* Газетадан.

БЎТҚА 1 Гуруч, буғдой каби донлардан қайнатиб пиширилган қуюқ овқат (ҳалим, шавла, ширгуруч кабилар). *Бир тариқдан бўтқа бўлмас.* Мақол. ▬ *-Тўйга ҳеч кимни чақирмадик. Ахир икки товоқ буғдой бўтқа билан қилинган тўйни тўй деб бўладими? — деди чол.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *[Саид] Ўртоқларининг қистови билан бўтқадан бир неча қошиқ егандай бўлди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

2 Аталасимон қуюқ нарса. *Қоғоз бўтқаси* (қоғоз саноатида). ▬ *Эриган шиша бўтқаси пуфлаш найчасига эмас, балки темир таёқчага олинади.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиши.

3 *кўчма* Чалкаштириб, аралаш-қуралаш қилиб юборилган нарса. *Биз мадрасада арабча, тожикча сўзлар бўтқасини кавшашдан бошқа нарсани билмас эдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Хаёлларинг бўтқа бутун ўлда-жўлда..* Т. Тўла, Асарлар.

Бўтқа бўлмоқ 1) аралашиб, эзилиб, бўтқа ҳолига келмоқ. *Кўчанинг лойи бўтқа бўлиб кетибди;* 2) *кўчма* аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ, чалкашмоқ. *Ҳамма иллат шундаки, Ўктамжон келди-ю, иш бўтқа бўлди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Тўғрисини айтганда, тилимиз кундан-кунга ўзимиз ҳам гангиб қоладиган даражада бўтқага айланиб бормоқда.* «Муштум». **Бўтқасини чиқармоқ** Эзиб, мажақлаб юбормоқ, адабини бермоқ. *Сени бугун булар бўтқангни чиқаришмоқчи.* И. Раҳим, Ихлос.

БЎХЧА Кийим-кечак, латта-путта ва ш. к. ўраб тугилган қийиқча, рўмол; тугун, тугунча. *Бир бўхча сарпо.* ▬ *Навоий бўхчани ешиб, лоқайд ва камтарона табассум билан амирлик кийимини кийди.* Ойбек, Навоий. *У олдимга икки бўхча келин сарпосини ташлади.* «Муштум». *Абдуваҳҳоб Шоший мурдадек чўзилиб ётган чол ёнидаги ўз бўхчасини титкилаб, ундан бир китоб олди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

Бўхчаси тушмаган *ёки* **бўхчасини ташламаган** 1) энди тухумдан чиққан, жиш (қуш болалари ҳақида); 2) *кўчма* ҳали гўдак, тажрибасиз. *Сиз ҳали бўхчасини ташламаган чумчуқ боласиз.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Бўхча қорин** Бўхчага ўхшаб қаппайган қорин ва шундай қоринли одам. *Мулла Мамасолиҳ бўхча қорнини силаб киноямуз деди: -Э домла! Эшоннинг қорни бешдир, бири ҳамиша бўшдир.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

БЎХЧАЛАМОҚ Бўхча қилиб тугмоқ; бўхчаларга тугмоқ. *У-буларини бўхчалаб қўйибди.*

БЎШ I **1** Ичида ҳеч нарсаси бўлмаган; қуруқ. *Бўш идиш. Бўш қоп тик турмас.* Мақол. ▬ *Келинни олиб келишга кетган аравалар бўш қайтибди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У бўш сават, хуржун кўтариб олган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сой бўйида турган бўш кўзани ёмғир чертиб-чертиб қўяди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Кимсадан ёки нарсадан холи, ҳеч ким ёки ҳеч нарса йўқ. *Ғиждувоннинг бозор куни бўлганига қарамай, бозор жойи бутунлай бўш эди.* С. Айний, Қуллар.

3 Банд бўлмаган, ишғол этилмаган, бекор. *Бўш ўрин. Бўш ер.* ▬ *Баширжон олазарак бўлиб, жой қидирди. Хайрият, чеккароқда битта стул бўш экан.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳашаматли бинода биронта бўш жой қолмаган.* «Шарқ юлдузи». *Бўш ўрин ахтариб, ўртада туриб қолди.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Дарахт соясидаги бўш ўриндиқ томон юришди.* «Ёшлик».

Боши бўш *айн.* **боши очиқ** *қ.* **бош**. *Ҳуру ғилмон сифат ўлтиришингдан Бошинг бўшми, севар ёрга етишдим.* «Баҳром ва Гуландом». *Ука, айтай десам, кўнглинг хуш эмас, Олиб кетай десам, бошинг бўш эмас.* «Оқ олма, қизил олма».

4 Иш билан банд бўлмаган, ишдан холи; бекор, беиш, ишсиз. *Бўш кун. Бўш вақт.* ▬ *Жиндак тинч, бўш вақт бўп қолса, бас, у дарҳол китобга ёпишарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Бўш бўлсангиз, Мингўрикка қимизга борар эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Отинойи бирдан-бир ҳунари ва бўш қолгандаги овунчоғи — чархни ғариллатишга киришади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЎШ II **1** Салга узилиб, юлиниб ёки йиртилиб кетадиган, пишиқ-пухта эмас, жонсиз. *Бўш ип. Бўш арқон. Бўш латта.* ▬ *Сухсур деган қуш бўлар, Тортсам, пати бўш бўлар.* «Оқ олма, қизил олма».

2 Салга синиб, уваланиб, эзилиб кетадиган, юмшоқ. *Бўш кесак. Бўш ер. Бўш ёнғоқ. Бўш ёғочни қурт ер.* Мақол. ▬ *Бу ёқнинг тоши у ёқники сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, ғўраша эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Кучсиз, заиф; оҳиста. *Бўш овоз.* ▬ *Анвар юзини тутиб берди. Раъно унинг юзига бўшгина уриб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ғоявий бўш, бадиий оқсоқ асарлар ўз баҳосини олаётир.* Газетадан. *Сен, болам, ҳали кўп ёшсан, Уруш қилмоққа сен бўшсан.* «Маликаи айёр».

4 Қаттиқ сиқилмаган, таранг тортилмаган, пишиқ-пухта боғланмаган; эркин. *Дуторнинг торлари ҳали бўш. Машинанинг тормозлари бўш экан.* ▬ *Қамишни бўш ушласанг, қўлингни қияди.. [деди Аллонбий].* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Сендан баттар қилиб мени боғлаган. Бўш бўлганда сўрар эдим ҳолингни.* «Ширин билан Шакар».

Бўш қўймоқ (*ёки* **тутмоқ**) Эркинлик бериб, ўз ҳолига қўйиб қўймоқ. *Сени ҳозир бўш қўяман, лекин товуш қилмайсан.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Пул асов қушга ўхшайди, сал бўш тутдингми, қўлингдан учади-кетади.* Ойбек, Танланган асарлар. *У отининг бошини бўш қўйиб, иккала қўлини оғзига карнай қилиб бақирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

5 *кўчма* Гапни, ишни эплай олмайдиган; қаттиққўллик, талабчанлик қила олмайдиган; ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила олмайдиган, бўшанг, ландавур. *Бўш раҳбар.* ▬ *-Бўшсиз, лақмасиз! — оғзини кўпиртирди Мастура.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сен бўшсан, латтасан, урғочисан! Пул санашдан бошқасига ярамайсан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

Бўш қарамоқ Қаттиққўллик, талабчанлик кўрсатмай иш тутмоқ. *Унинг бир қисм ғўзаси сувдан қолиб, қатқалоқ босган экан, юзига солиб: -Ўзингиз хўб пишиқ деҳқонсизку, одамларга бўш қарабсиз-да.. — деб ёмон изза қилди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

6 Пухта, билимдон, омилкор бўлмаган; заиф. *Математикадан жуда бўшман. Араббой ўқишда жуда бўш.* ▬ *У ўқишда жуда бўш, аммо ғирромлик ва шумликка абжир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Роҳат хола айвонда сабзи артиб, келинини койирди: -Бўшсиз, болам, бўшсиз!* «Гулдаста».

7 Етарли асосга эга бўлмаган; пуч, хом. *Бўш хаёллар.* ▬ *Энди унинг хаёлида ҳамма нарса бўш ва маъносиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сан бўш хаёл қилма, Ман ҳеч бир вақт сандан ажралмам.* Ҳамза.

Бўш(га) кетмоқ Бекор кетмоқ, зое бўлмоқ. *Шунча ҳаракат бўш(га) кетди.* **Бўш(га) чиқмоқ** Асоссиз, пуч бўлиб чиқмоқ. *Ҳасаналининг шубҳаси бўшга чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бахтга қарши, бу умид ҳам бўш чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Таги бўш** 1) етарли асосга эга эмас; асоссиз. *Таги бўш гап;* 2) етарли таянчиғи бўлмаган. *Сизнинг тагингиз бўш, тарафингизни оладиган одам бўлмайди.* А. Мухтор, Туғилиш.

Бўш келмоқ Ютқизмоқ, енгилмоқ, ён бермоқ (баҳс, кураш, жанг ва ш. к. да). *Курашда қайтади деб ўйлайсанми, ахир биз ҳали бўш келадиган йигитлардан эмасмиз.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Лекин энди Тўрткўз ҳам бўш келмади.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Одатда офтоб билан ошно киши унча-мунча касалликларга бўш келмайди.* Газетадан. **Жони бўш** 1) тез нобуд бўладиган. *Жони бўш махлуқ. Жони бўш ўсимлик.* ▬ *Буку мол, териси қалин; жони бўш қўй, эчкиларимиз ҳам чўп тишлаб, тупроқ ялаб, қишни ҳавода ўтказишди.* «Муштум»; 2) *кўчма* ҳеч нарсага бардош бера олмайдиган, қийинчиликдан қўрқадиган; жони ширин. *Бу орада Викторга ўхшаган жони бўшлар эса қуён бўлишди.* Ш. Ғуломов, Чўл белида. **Кўнгли бўш** Кўнгилчан, мулойим, раҳмдил. *Хотин кишининг кўнгли бўш бўлади, ичида сир ётмайди, деб қўрққан эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У анча ишонувчан, итоатгўй, кўнгли бўш қизга ўхшайди.* «Ёшлик». **Оғзи** (*ёки* **тили**) **бўш** 1) оғзига кучи етмайдиган; сир сақлаёлмайдиган. *Унинг оғзи бўш, сир айтиб бўлмайди унга;* 2) гапини

эплаб гапира олмайдиган, гапиришга қўрқадиган. [*Абдухолиқ*:] *Катталарнинг кўзи менинг чумчуқдай ўғлимга, яна бир қанча оғзи бўш камбағалларга тикилибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЎШАЛМОҚ с. *т. айн.* **бўшамоқ** I–II. *Уй бўшалди. Жой бўшалди.* ▬ *Йўлнинг бўшалишини кутиб турган миршаб даҳбошиси зерикиб, жаллодларга қараб: -Бошланг! – деди.* С. Айний, Қуллар. *Бир маҳал кўзини очса, тарғил ҳўкиз бўшалиб кетибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БЎШАМОҚ I **1** Банд этиб ёки ишғол қилиб турган кимсадан, нарсадан ҳоли бўлмоқ. *Зал бўшади. Йўл бўшади. Уй бўшади. Иноқ оилада бешик бўшамас.* Мақол. ▬ *Сабзавот, полиз экинларидан бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдашга киришилади.* Газетадан. *Ҳафиза бўшаган бир стулга бориб ўтириб, сумкасидаги конспектни ўқишга тутинди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ёдгор ён-верига аланглаб, зал бўшаб қолганини кўрди-да, дарров ўрнидан турди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ишдан, амалдан, мансабдан қутулмоқ, озод бўлмоқ. *У раисликдан бўшади.* ▬ *-То «босди-босди» бўлгунча, ишдан бўшаб турасизми-ё? – деб сўради.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ўрозмат бу ерлардан бўшаб, бошқа ишга ўтиб кетди.* Газетадан. *Қизлархон охири эр амрига кўниб, вазифасидан бўшади.* «Муштум».

3 Қутулиб чиқмоқ, қутулмоқ; холи, эркин бўлмоқ. *Турмадан бўшамоқ. Бировнинг қўлидан бўшамоқ.* ▬ *Ғуломжон онасининг иссиқ қучоғидан бўшаб, секин ўрнидан турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳомиладан бўшаган она организми 3-4 йил дам олиши керак.* «Саодат». *Зуҳра мактабдан бўшади дегунча далага чопади.* С. Зуннунова, Олов. *Қишлоқ аҳли қиш ойларида ишдан бир оз бўшаб қолишади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

4 Ечилиб кетмоқ. *Ит бўшаб кетибди.*

БЎШАМОҚ II **1** Бўш, юмшоқ бўлиб қолмоқ. *Ер намиқиб, бўшаб қолибди.* ▬ *Қаторда нордай кавшайсан, Баҳорда қордай бўшайсан.* «Нурали».

2 Таранглигини ёки мустаҳкамлигини йўқотмоқ, солқаланиб қолмоқ, бўшашмоқ. *Отнинг айили бўшаб қолибди. Винт бўшаб қолибди.* ▬ *Оғи кенг иштонининг бўшаб кетган боғичини шоша-пиша қайтадан боғлашга уринди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Доқаси бўшаб кетган, қайта боғлаш керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўнгли бўшамоқ Қувонмоқ, яйрамоқ; ўзини енгил ҳис қилмоқ. *Сен десам, кўнглим бўшаб, Баданларим қордай яшнаб..* «Нурали».

БЎШАНГ Гапни, ишни эплай олмайдиган, бўш, лаванг, лапашанг. *Анвар ёшлигида бўшанггина бир бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Болалар уни бўшанг деб билиб, баравар тортишишдан тап тортишмасди.* «Ёшлик». *Шунчалик ҳам бўшанг бўладими одам, лоақал ўғли тенги болани тартибга чақириб қўйўлмаса!* «Ёшлик».

БЎШАНГЛИК Қаттиққўл бўла олмаслик; юмшоқ кўнгиллик; лапашанглик, ожизлик. *Биз бўшанглик қилсак, бошқа жамоалар ҳам қуролланади. Унда ҳолимизга вой!* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тақсир, қаттиқроқ қамчиланг, бўшангликнинг вақти эмас, орқадан қувишаётганлигини кўрмайсизми?* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Иродананинг уятчанлиги бўшанглик ёки ношудликка эмас, ишга ва адабга асосланган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

БЎШАНМОҚ 1 Бўшамоқ I **3** фл. ўзл. н.

2 Кўзи ёримоқ, туғмоқ. *Янги бўшанган аёлларнинг то соғайиб, қувватга кириб кетгунча бўлган даври халқ ўртасида «чилла даври» деб юритилади.* С. Исмоилова, Кўкрак касалликлари. *Қайнонасининг ўжарлиги туфайли Санобархон уйда бўшанди.* С. Ҳамидов, Чақалоқ нега нобуд бўлди? *Янги бўшанган совлиқ қўзисини ялarди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Ҳожатхонага бормоқ. *Уч кун уни [Мансурни] ҳожатхонага йўлатмай, бўшанишини пойладик.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

БЎШАНҚИРАМОҚ Бир оз бўшашмоқ, мулойимлашмоқ, юмшамоқ. *Кекса милиционер ҳужжатларни чироққа тутиб, қайта-қайта кўздан ўтказди-да, бўшанқираб, йўлдошига берди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

БЎШАТМОҚ I **1 Бўшамоқ** I фл. орт. н. *Йўлни бўшатмоқ. Уйни бўшатмоқ. Вагонларни бўшатмоқ.* ▬ *Нурали Ғиротнинг айил-пуштанини бўшатиб, қашлаб, супуриб, бўлакдан эгарлади.* «Нурали». *Минг бало билан Қутидор қўлини бўшатиб, гал Отабекка келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Милтиқ (*ёки* **тўп, ўқ) бўшатмоқ** Ўқ узмоқ. *Майна унинг ўнг қўлига устма-уст икки*

ўқ бўшатди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Катта тўпни гумбурлатиб, Ҳар тарафга тўп бўшатди.* «Нурали». *Намойишга йўлда лашкар Неча тўпларни бўшатди.* «Баҳром ва Гуландом». *Аямай, баччағар милтиқ бўшатди.* «Ойсулув».

Кўнгилни (*ёки* **юракни, дилни) бўшатмоқ** Кўнгилдаги дардни айтиб енгиллашмоқ, ғуборини тарқатмоқ. *Юрагини бўшатди охир, Дардларини юмшатди охир.* Ҳ. Олимжон. *Ким биландир роса уришиб, кўнглини бўшатгиси келар, лекин бунга баҳона тополмас.. эди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Ишдан, вазифасидан озод қилмоқ; рухсат бермоқ. *Ишдан бўшатмоқ. Лавозимидан бўшатмоқ.* ▬ *Орадан уч-тўрт кун ўтиб, мени ишдан бўшатиб юборди.* С. Аҳмад, Уфқ.

БЎШАТМОҚ II **Бўшамоқ** II фл. орт. н. *Қатқалоқларни бўшатмоқ. Винтни бўшатмоқ. Чолғу торини бўшатмоқ.* ▬ *Котиб бир қўли билан, томоғини қисиб турган бўйинбоғини тортиб, бўшатиброқ қўйди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БЎШАШМОҚ I **Бўшамоқ** I фл. бирг. н. *Кузда болалар дала ишларидан бўшашса, мактабни очиб юбориш ниятида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

БЎШАШМОҚ II **1** Юмшоқ бўлиб қолмоқ, юмшармоқ. *Ер етилиб, анча бўшашиб қолибди.*

2 Таранглигини ёки мустаҳкамлигини йўқотмоқ, солқиланиб қолмоқ. *Стулларнинг оёқлари бўшашиб қолибди. Тормоз бўшашиб қолибди. Тишларим бўшашибди.* ▬ *Кўзойнак ошиқ-мошиғи кўпинча бўшашиб қолади, шунда унинг болтини маҳкам бураб қўйинг.* Газетадан.

3 Кучи кесилиб, пасаймоқ, қайтмоқ. *Шамол бўшашди. Совуқ бўшашди.* ▬ *Иссиқ бирмунча бўшашгандек туюлса ҳам, димлик заптида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Муқаддам кучли эди. Узоқ олишди. Кейин бирдан бўшашди-ю, жимиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Мадори қуримоқ, жисмонан заифлашмоқ; шалпаймоқ. *Адолат бўшашди. Индамай, ҳолсизлик билан стулга ўтирди.* С. Зуннунова, Олов. *Тамом бўшашиб, дармони қуриганча, деворга суяниб қолди.* «Ёшлик». *Оёқларим бўшашиб, титраб кетдим.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

Бўғини бўшашмоқ *қ.* **бўғин 1.**

5 *кўчма* Ҳовуридан тушмоқ, гапидан, ниятидан қайтмоқ, бўш кела бошламоқ; ҳафсаласи пир бўлмоқ. *Офтоб ойим эрининг кейинги сўзи билан анчагина бўшашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Зумрад аввалига енгил қаршилик қилган бўлди, сўнг бегона эркакнинг оғуши ҳам иссиқ бўлишини сезиб.. бўшашди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Таманнонинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

6 Бўш қўйилганлиги натижасида сусайиб кетмоқ. *Интизом бўшашмасин. Иш бўшашмасин. Талабчанлик бўшашмасин.* ▬ *Ишларни бўшаштириб юборибсиз.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган соҳил.

БЎШАШТИРМОҚ Бўшашмоқ II фл. орт. н. *Иссиқ одамни бўшаштириб юборди.* ▬ *Сал тизгинини бўшаштирсанг, бўйнингга миниб олишади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ҳодиқулнинг бақирган овози Равшаннинг аъзойи баданини бўшаштириб юборди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Баҳор нафаси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

БЎШ-БАЁВ Ишни, гапни эплай олмайдиган, лапашанг, гўл. *Каримжон бўш-баёв бўлгани учун «аммамнинг бузоғи» деган лақаб олган эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Нусратбекнинг бу қадар бўш-баёв, содда, нотавонлиги унинг жаҳлини чиқариб юборган эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

БЎШЛИК I Ичида ҳеч нарса йўқлик. *Идишнинг бўшлиги. Уйни бўшлигида ремонт қилиб олайлик.* ▬ *Аҳмад на севинч, на қайғу сезади, юрагида аллақандай бўшлик ҳукмрон эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

БЎШЛИК II Пишиқ-пухта, мустаҳкам эмаслик; юмшоқлик; лапашанглик. *Ип бўшлигидан салга узилиб кетяпти.* ▬ *Ҳой, мен бу гапни сизга ишониб айтяпман-а! Яна оғзингиз бўшлик қилиб, бирон ерда гуллаб қўйманг.* Н. Сафаров, Оловли излар.

БЎШЛИҚ 1 Маълум чегаралар билан ўралган бўш жой; ҳавол жой. *Қорин бўшлиғи* (*анат.*). *Цилиндр ичидаги бўшлиқ.* ▬ *Оқибатда оқсил моддалар қорин бўшлиғига сизиб туша бошлайди.* Газетадан. *Оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиқларга учрамай ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат товушлар унли товуш деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиги».

2 Чексиз олам, фазо, осмон; чеки йўқ бўш жой. *Олимлар яқин вақтларга қадар*

космик бўшлиқни ўрганишни фақат орзу қила олар эдилар. ▬ *Зумрад кўзларини қоронғи бўшлиққа тикканича қимирламай ўтирарди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Ҳувиллаб изғиётган тоғ шамоли чўққиларни ялаб ўтиб, бепоён бўшлиққа сингиб кетарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Бўш ётган ер, жой. *Шундан кейин бир бўшлиқ ер билан қўрғоннинг жанубига қараб кетиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Айниқса, булар биринчи қадам қўйган йиллари бу ерлар ҳувиллаб ётган бўшлиқ — саҳро эди.* А. Мухтор, Асарлар.

4 *физ.* Ҳавосиз жой, вакуум. *Торичелли бўшлиғи. Цилиндр ҳавосини тортиб олиб, бўшлиқ ҳосил қилмоқ.*

БЎШОҚ Бўш қўйилган, боғланмаган, арқонланмаган.

Қўшоқнинг орқасида (*ёки* **ичида) бўшоқ** *қ.* **қўшоқ.** *Бор! Бор! Ишимизга қўшилмаган — расмга ҳам қўшилма! Қўшоқнинг ичида бўшоқ нима қилади.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

БЎШТОБ 1 Унчалик пишиқ-пухта бўлмаган, бўшроқ, жонсизроқ. *Совуқ баданидан ўтиб, тану жонини чақади, бўштоброғи учраса, шамдек қотиради.* К. Яшин, Ҳамза. *Елкасидан тўнтариб боғини, Кўкрагидан бўштоб қилиб бойладим.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 *кўчма* Ишни унча яхши уддалай олмайдиган, бўшангроқ. *Бўштоб бригадир. Бўштоб раҳбар.*

БЎШТОБЛИК Пишиқ-пухта, қаттиққўл бўлмаслик. *Баъзи бир раисларнинг, айниқса, Умар аканинг бўштоблигидан нолир эдим.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

БЎЯГИЧЛАР *ким.* Ҳар хил материалларни турли рангга бўяш учун синтез усулида олинадиган органик моддалар; бўёқлар.

БЎЯМА 1 Бўялган, ранг берилган. *Бўяма тери.*

2 *кўчма* Сохта, қалбаки. *Бўяма гап.*

БЎЯМАЧИ Ҳақиқатни бўяб ёки тескари қилиб кўрсатувчи, алдовчи, кўзбўямачи, алдоқчи.

БЎЯМАЧИЛИК Ҳақиқатни бўяб ёки тескари қилиб кўрсатишлик, кўзбўямачилик.

БЎЯМОҚ 1 Ранг бермоқ, бўёқ суртиб безамоқ. *Хонанинг шифти ва деворлари кўҳсиз, лекин ялтироқ бўёқлар билан бўялган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Сочи эркакча қирқилган.. лабини шундоғам бўяганки, худди помидор тишлаб келаётганга ўхшайди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Бирор нарса билан қоплаб, тусини ўзгартирмоқ, бошқа тусга киритмоқ. *Чанг бутун маҳаллани: томларни ҳам, деворларни ҳам, сувсизликда қақраб қолган яккам-дуккам дарахтларни ҳам бир хилдаги жонсиз, оқиш рангга бўярди.* А. Мухтор. Опа-сингиллар.

3 Беламоқ, булғамоқ, ботирмоқ. *Пўлат ота, кўкраги қип-қизил қонга бўялиб, гурс этиб йиқилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўтларини бўямас табаррук қонга, Тупроқни муқаддас рангга бўямас.* Х. Даврон, Қақнус.

4 *кўчма* Бузиб, ўзгартириб ёки ёмон томонларини яшириб, яхши томондан кўрсатмоқ; пардоз бермоқ. *Ҳақиқатни бўямоқ.* ▬ *Ғофир бўлса, барча сўзларим Мурооталига маъқул бўлаётир, деб кўнглидан ўтказдида, Ойқиз билан бўлган суҳбатини анчагина бўяб кўрсатди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кўплаб айтдинг сўзингни, Лекин бўяб айтмадинг.* «Шарқ юлдузи».

Кўз бўямоқ *қ.* **кўз.**

БЎЯШМОҚ 1 Бўямоқ фл. бирг. н. *Улар уйларини бўяшибди.*

2 Бўяш ишига қарашмоқ, бўяшга ёрдамлашмоқ. *Акамга эшикни бўяшдим.*

БЎҚОҚ *с. т.* Буқоқ. *..пакана, оппоқ соқоллари тагидан қип-қизил бўқоғи билиниб турган чол эди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Ҳикоя битгач, заҳархандa билан Самад бўқоққа қаради, дами кесилаёзган бўқоқ бундан руҳланди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

БЎҚЧА *с. т. айн.* **бўхча**. *Шоҳим бир-икки қават эски кўйлак-иштондан бошқа нарсаси бўлмаган бўқчани устига керосин тўкиб ёндирмоқчи бўлди.* С. Айний, Қуллар.

БЎҒДИРМА Яширин, ўғри чўнтак. *Пешматнинг сиртида учта, ичкарисида икки ва яна катта чўнтаклар ичида танга соладиган чўнтаклари бўлиб, бўғдирмаларини қўшганда, ҳаммаси бўлиб саккиз чўнтаги бор эди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

БЎҒЖОМА 1 Кийим-кечак, кийимлик газламалар, эски-тускилар тугиб қўйиладиган катта мато; чойшаб. *Беруний ўзига керакли буюмларни бўғжомага жойлаб, тонгсаҳарда карвон билан йўлга чиқди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Шундай матога тугилган бўхча, тугун. *Олқишдан сўнг Бўриевга икки бўғжома сар-*

по келтириб берадилар. А. Қодирий, Обид кетмон. *Бобораҳим бўғжомасини олиб, эшик олдига келганда, онаси фарёд кўтариб, уни бағрига босди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

БЎҒИЗ (*3-ш. бирл.* **бўғзи** *ва* **бўғизи**) **1** *анат.* Томоқнинг қизилўнгач ва кекирдак бошланадиган ери; томоқ. *Одам оғзидан, мол бўғзидан осилар.* Мақол. ▬ *Ҳазратқул қўзичоқнинг бўғзига пичоқ тортди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Қитиғига тегсанг, бўғзингга устара тортишдан тоймайди баттол.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Жони бўғизига келди *қ.* **жон**.

2 *кўчма* Жон, ҳаёт-мамот рамзи. *Мусулмонқулнинг омонсиз қиличи оғайнимнинг бўғзида эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Қумғон, офтоба ва ш. к. идишларнинг қорнидан юқорисидаги тор, найсимон қисми. *Шишанинг бўғзи. Обдастанинг бўғзи. Бўғзи тор идиш.* ▬ *-Қайси биридан бўлсин? — деди шишаларнинг бўғзидан ушлаб туриб.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

4 Ўсимлик танасининг илдизга туташган жойи. *Бундан мақсад: кўчатнинг бўғзидаги тупроқ чўкиб, ҳаво киритмайди, илдизи яхши ривожланади.* Газетадан.

Гапи, сўзи бўғзига тиқилмоқ *ёки* **бўғзида қолмоқ** Муайян шароит, руҳий ҳолат таъсирида ўз фикрини айта олмай қолмоқ, гапиролмай қолмоқ. *Индамади-ю, айтадиган гапи бўғзига тиқилиб қолгандай бўлди.* А. Мухтор, Асарлар. *Шу сўз бўғзига тиқилди. Айтай деди, айтолмади.* «Ёшлик». *Шу пайт эшик зарб билан тақиллаб қолди. Муҳаббат чўчиб тушди. Сафаралининг гапи бўғзида қолди.* Н. Фозилов, Дийдор.

БЎҒИЗЛАМОҚ 1 Бўғзига пичоқ солмоқ, сўймоқ. *Юмалатсам, жони йўқ, Бўғизласам, қони йўқ* (хамир). ▬ *Севинчнинг зўридан битта қўйни бўғизладик.* «Ёшлик». *Чолим, Кимсан келса, оёғига сўймоқчи бўлиб юрган қўчқорини бўғизлади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Бўғзидан тишлаб, ғажиб ўлдирмоқ. *Бу ўша бўри.. итларни ғафлатда қолдириб.. тўрт қўйни бўғизлаб, бирини олиб қочган ҳам шу!* «Ёшлик».

3 *кўчма* Қийнаб ўлдирмоқ, маҳв этмоқ. *Ўша бола кеча яна йўлимни тўсиб: -Эртага охирги муҳлат, жавоб қил, йўқ десанг, бўғизлаб кетаман! — деяпти. Ёнида катта пичоғи бор.* И. Раҳим, Ихлос. *Сидқийни елкасидан ушлаб, қулатиб бўғизлашга тайёр эдилар.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

БЎҒИЗЛАНМОҚ Бўғизламоқ 1, 3 фл. мажҳ. н. *Кўплар куйдирилди, кўплар бўғизланди. Кўп тик бошлар кундага қўйилди.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

БЎҒИЛМОҚ Бўғмоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Дарё бўғилди. Сув бўғилди. Иштаҳаси бўғилди.* ▬ *Шу бедовнинг шаштидан Дарбанд дарё бўғилди.* «Ойсулув». *Искандар боя бўғилиб бўлган экан, ош емади, ош уни еди ҳисоб.* М. Мансуров, Ёмби. *Нафаси бўғилган Шарофат юзини ёстиқдан олиб, осмонга қараб ётди.* «Ёшлик».

БЎҒИЛТИРМОҚ Бўғилмоқ фл. орт. н.

Дастрўмолни роса бўғилтириб юборибсиз Дастрўмолни очилмайдиган, тоза бўлмайдиган даражада кир қилибсиз.

БЎҒИМ *с. т.* Бўғин. *Умуман бод, бўғим касалликлари турлари бир неча ўн кўринишга эга.* «Фан ва турмуш». *Бўғим-бўғим бармоқлар хиноларни қўмсаган.* «Шарқ юлдузи».

БЎҒИМОЁҚЛИЛАР, бўғиноёқлилар *зоол.* Танаси ва оёқлари турли хил бўғинлардан тузилган умуртқасиз ҳайвонлар типи. *Бироқ авлодни сақлаш учун қайғуриш ҳисси бўғимоёқли жониворларда айниқса кучли.* «Фан ва турмуш». *Бўғиноёқлилар типига қисқичбақасимонлар, ўргимчаксимонлар, ҳашаротлар киради.* «Зоология».

БЎҒИМДУМЛАР, бўғиндумлар *зоол.* Калтакесакларнинг Африка жанубида тарқалган бир оиласи. *Бўғимдумлар тоғларда, серқоя қалтис ерларда юради.* «ЎзМЭ».

БЎҒИН 1 *анат.* Гавда суякларининг тоғайлар, пайлар билан бириккан жойлари. *Бармоқ бўғинлари.* ▬ *Қўл суяклари бирбирига бириккан ҳаракатчан бирикмалар ҳосил қилади, бу бирикмалар бўғинлар дейилади.* «Зоология». *Бўғинлари ғадир-будур бўлиб кетган бармоқлари билан оғзининг икки четини артди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Бир турдаги қисмлардан ташкил топган суякнинг ҳар бир қисми; сегмент. *Умуртқа бўғинлари. Бўғинларим оғрияпти.* ▬ *Пайғамов бармоқларини бир-биридан ўтказиб букканда, бўғинлари қирсиллади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Мафосилга гирифтор бўлган кимсадек, етмиш икки бўғини зирқираб оғриди.* С. Сиёев, Аваз.

Бўғини бўшашмоқ (*ёки* **қалтирамоқ**) 1) оёқ-қўли бўшашиб кетмоқ (қўрқув, ҳаяжон ва ш. к. дан). *Жуман қабулхонага чиқиб, қўлидаги қоғозга қараган эди, бўғинлари бўшашиб, тиззаси қалтираб кетди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Бирданига бўғини қалтираб, қўрқиб қолган-да.* «Баҳром ва Гуландом»; 2) мамнун, шод, осойишта бўлмоқ. *Топарманми, ёрим, сени? Бўғинларим тол-тол бўшаб.* «Ширин билан Шакар». *Сени кўриб, болам, бўғиним бўшади, Сенинг кўнглинг дарёдайин тошади.* «Ойсулув».

3 Танаси бир турдаги қисмлардан, сегментлардан тузилган жониворлар ёки ўсимликларнинг ҳар бир қисми. *Чувалчанг бўғинлари. Қамиш бўғинлари.*

4 *кўчма* Узвий равишда боғланган воқеа-ҳодиса, жараён ёки ташкилот ва ш. к. нинг ҳар бир ҳалқаси, босқичи, поғонаси. *Тўғри, қоғозбозлик камайди. Лекин ходимлар қуйи бўғинларни безовта қилишнинг бошқа усулларидан фойдаланмоқдалар.* Газетадан. *Ошкоралик, демократия ҳам интизомнинг бўғинига айланади.* Газетадан.

5 *кўчма.* Авлод, насл. *Ёш бўғин.* ▬ *Шу илдиздан ўсиб чиқар келажак бўғин.* Ғ. Ғулом, Шеърлар. *[Ҳожар:] Мен қандай қилай! Етти бўғинимизда қулоғим бундай сатанг номини эшитгани йўқ эди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Энг аъло сифатли — биринчи ёки иккинчи бўғин дурагайлар ўз-ўзидан кўпайтирилади.* «Ўзбекистон паррандачилиги».

6 *тлш.* Сўзнинг бир нафас билан айтиладиган, бир ёки бир неча товушдан иборат бўлаги. *«Тош» сўзи бир бўғиндан, «болта» сўзи эса икки бўғиндан иборат.*

БЎҒИН-БЎҒИН 1 Айрим бўғинлардан, сегментлардан тузилган. *Бўғин-бўғин чувалчанг. Бўғин-бўғин ғаров қамиш.*

2 Барча бўғинлар; фақат бўғиннинг ўзи. *Кўсаклари тупнинг бўғин-бўғинида қуббақубба бўлиб пайдо бўлар экан.* «Шарқ юлдузи». *Томирида тўнди гўё қайноқ қон, Тамоман бўшашди бўғин-бўғини.* О. Ҳакимов, Достонлар.

БЎҒИНЛИ 1 Бўғини бор, бир қанча бўғинлардан иборат. *-Агар биз, — деди бригадир Бекбой.. бўғинсиз ва.. бўғинли пояларни олиб, — донни уч кун илгари сочиб улгурганимизда, ажойиб иш қилган бўлар эканмизда.* Н. Сафаров, Дон.

2 *тлш.* Маълум миқдордаги бўғиндан тузилган. *Бир бўғинли сўз. Тўрт бўғинли сўз. Кўп бўғинли сўз.*

БЎҒИРСОҚ Сут, тухум, ёғ солинган хамирдан юмалоқлаб, ёғда пиширилган овқат. *Ўзбек ойим бўғирсоқ қовуртириш, толқон туйдириш, тўқоч ёпдириш билан машғул эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЎҒИШ Бўғмоқ фл. ҳар. н. *Сувни бўғиш. Томоқни бўғиш.*

Ёқа бўғиш Ёқалашиш, муштлашиш. *Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашишни, ёқа бўғишни ўзига ор билди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЎҒИШМА Олишиш, ёқалашиш. *Окопларда, блиндажларда қизғин, омонсиз, ҳаддан ташқари қонли ва даҳшатли бўғишмалар қайнайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

БЎҒИШМОҚ 1 Бўғмоқ фл. бирг. н. *Сувни бўғишибди.* ▬ *Отхонага олиб тушиб бўғишибди.* «Гулхан».

2 *кўчма* Ёқа олишмоқ, уришмоқ, ёқалашмоқ. *-Ўртада чўкиб қолган танк учун бирпас қизғин бўғишдик, — деди Пахомов.* Ойбек, Қуёш қораймас.

БЎҒИҚ 1 Бўғилиб, хириллаб қолган, хирилдоқ, аниқ-тиниқ эмас, ноаниқ (овоз ҳақида). *-Ёқмайди! — деди Анзират аламнок, бўғиқ овозда.* Н. Қиличев, Қуюн. *-Ўзи нима дейди, сўрадингми? — Абдусамад амакининг овози бўғиқ чиқди.* М. Мансуров, Ёмби. *Яна боядек бўғиқ кулги овози эшитилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Бўғов солиб тўсилган, бирор нарса билан бўғилган. *Кейин, бир вақт ҳушимга келдим. Оғзим бўғиқ. Қалин нарсага ўралганман.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бўғиб, буриб, сиқиб қўйилган; тор. *Ёқаси бўғиқ кўйлак.* ▬ *Катак кўйлаги, почаси бўғиқ кўк сатин шалвари озода ва ўзига ярашган.* Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар.

4 Ҳавоси нам ва бузуқ, эркин нафас олиб бўлмайдиган. *Давраларнинг бўғиқ ҳавосини жирканмай шимирадилар.* Ғ. Ғулом, Ёдгор. *Биз оздан кейин Амударё томондан эсган салқин шабада бўғиқ ҳавони тарқатиб юборади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 *кўчма* Эркин яшаб, ишлаб бўлмайдиган; сиқиқ, зиқ, танг. *Хўжайин айтганча, «узилмаган гул» бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу чиркин бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Унча очиқ бўлмаган, хира (ранг, тус ҳақида). *Бўғиқ ранг. Ранги бўғиқ чит.*

БЎҒМА I Бўғиб қўйиладиган ёки бўғиб, буриб қўйилган, бурмали. *Бўғма ёқа кўйлак.* ▬ *Ҳотамова.. новча кишининг почаси бўғма шимини кўриб иккиланди, шекилли, нима дейишини билмай қолди.* А. Қаҳҳор, Картина. *Ҳаял ўтмай, остонада қош-кўзларини ҳафсала билан бўяган, олақарға крепдешиндан калта енгли бўғма кўйлак кийган Қирмизхон кўринди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Бўғма илон Ўлжасини танаси билан ўраб, сиқиб, бўғиб ўлдириш хусусиятига эга, турли катталикдаги илонлар оиласи. *Бўғма илон ваҳшат билан бир тўлғанди-да, пастга арғимчоқдек осилиб, вишиллади.* «Муштум».

БЎҒМА II *тиб.* Томоқнинг яллиғланиши ва нафас йўлининг торайиши натижасида нафас олишнинг қийинлашуви, хириллаб йўталиш билан кечадиган юқумли касаллик. *Дифтерия бўғмасида дифтерияга қарши зардоб эмланади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Полиомиелит, бўғма ва шилпиқ кабилар касаллик сифатида тугатилди.* Газетадан.

БЎҒМОҚ 1 Қаттиқ қисмоқ. *Томоғидан бўғмоқ. Галстук бўғиб юборяпти.* ▬ *Сафаров югуриб бориб, уни бўғаётган йўғон кишининг елкасига бир тепди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ойшабону, эрини биров бўғиб ўлдираётгандек, дод сола бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Пиёз ўташ — хотинларнинг иши.. Нима бўпти! Ариққа ўтириб оласиз-у, пуштадаги пиёзни бўғиб қўйган ўтни юлиб ташлайверасиз.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Нафас олишни қийинлаштирмоқ, дамини қайтармоқ. *Совуқ жонларингни оладими? Тутун бўғади-ку, эшикни очинглар!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўтнинг ҳарорати Эргашевнинг юзини қиздириб, бурқиб чиқаётган тутун эса нафасини бўғар эди.* Н. Сафаров. *Нафасни бўғадиган, кўзларни кўр қиладиган чанг-тўзон булути ҳавони тутди.* Ойбек, Навоий.

Овозни (*ёки* **гапни) бўғмоқ** 1) товуш пайчаларини зарарлантириб, овозни чиқармайдиган ёки хирилдоқ қилиб қўймоқ. *Йўтал овозимни бўғиб қўйди;* 2) *кўчма* сўз эркинлигидан маҳрум қилиб, гапиртирмай қўймоқ. *Нега бировнинг гапини бўғасиз? Балки ўша қиз Мирзаевни яхши кўрар?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қачонгача овозимни бўғадилар, тирикман — тинчимайман, тинчимайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қаттиқ сиқиб, чандиб ёки бураб боғламоқ. *Қопнинг оғзини бўғмоқ.* ▬ *-Ўлжаларимиз ҳам кўпайиб қолди, — деди қопнинг оғзини бўғиб..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 Ғов, бўғов солиб тўсмоқ. *Дарёни бўғмоқ. Кўчани бўғмоқ.* ▬ *Тўғон тахтасини пастга босиб, сувни бўғмоқчи бўлганида, тўғонга қулф солинганини кўради.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Халқимиз катта-катта каналлар қазиб, дарёларни бўғди.* «Муштум».

5 *кўчма* Исканжага олиб, танг аҳволга солмоқ ёки ҳалок қилмоқ, маҳв этмоқ. *Мудҳиш ўргимчак уяси, қуллик даврининг машъум соялари, ҳурликни бўғувчи қора юраклар!* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Бундай пайтларда яшил кўкат қанчалик кўзни қувонтирса, шўрхок шунчалик таъбни хира қилар, бамисоли бири ҳаётга талпинса, иккинчиси уни бўғмоқчи бўларди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

6 *кўчма* Тўсқинлик қилиб, ўсишдан, ривожланишдан тўхтатмоқ, барбод қилмоқ. *Ташаббусни бўғмоқ.* ▬ *У ўз майл-истагини бўғмайдиган, кўркам ҳам уддабурон йигитга турмушга чиқишни ўйлайди.* «Ёшлик».

Иштаҳани бўғмоқ 1) иштаҳани кетказмоқ. *Ҳаёт.. боягидай қилтомоқ бўлиб ўтираверди, тўғриси, бу ноёб бахт унинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) ҳафсаласини ўлдирмоқ; бирор ишдан бездирмоқ, совутмоқ. *-Иштаҳасини бўғиб қўйиш керак ундай одамларнинг, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 *кўчма* Ортиқ даражада асабийлаштирмоқ, хуноб қилмоқ, диққатини оширмоқ. *Ўзингни ҳам диққат қилма, мени ҳам бўғма.* ▬ *Ҳижрон панжалари унинг [Зулфиқорнинг] томоғидан бўға бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Кишини бўғасиз, Зайнаб! Гапга темирчилик яхши эмас!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 Рангини, тусини хиралаштирмоқ; кўринишини бузмоқ. *Пахса деворлар табиат манзарасини бўғиб турибди.* ▬ *У.. ўрта бўйли бир жувон бўлиб, эгнидаги тўқ-қизил кўйлаги, унинг устидан кийиб олган қора жилеткаси, бошидаги яшил рўмоли қорачадан келган юзини бўғиброқ қўйган бўлса ҳам, ўзига хўп ярашган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

9 Оғирлаштирмоқ, бузмоқ. *Куни билан қуёш таптини еган пахса деворлар ўзидан иссиқлик чиқариб, ҳавони бўғиб қўяди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

БЎҒОВ 1 Кишан, банд, исканжа. *Мустамлака бўғовлари.* ▬ *Тупроқ қорасовуқ бўғовида. Унинг касри дов-дарахтга ўтди.* Р. Умаров, Дўрмон боғлари.

2 Тўсиқ, ғов. *Сув йўлига бўғов солмоқ.*

3 *кўчма* Зулм, асорат. *Сиз шу кунларда юз йиллардан бери чекиб келаётганингиз зулмдан, азоб-уқубатдан ва бўйнингизга солинган қуллик бўғовидан қутулиб.. ўз тақдирингизга ўзингиз эга бўласиз.* С. Айний, Дохунда.

БЎҒОВЛАМОҚ 1 Кишанламоқ, занжирбанд қилмоқ. -*Покистон учун мен миллионлар қаторида не-не жафолар чекмадим: қамадилар, бўғовладилар, таёқладилар, — деди Абдулвоҳид.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Бўғов солиб тўсмоқ, бўғмоқ.

БЎҒОЗ I **1** Қорнида боласи бор (ҳайвонлар ҳақида). *Бўғоз сигир. Бўғоз совлиқ.* ▬ *Бўғоз қуёнларни ҳомиладорлик даврида ўз вақтида сифатли озуқа ва тоза сув бериб парвариш қилиш лозим.* «Фан ва турмуш».

2 *с.т.* Ҳомиладор. *Туғишига тўрт ой қолган бўғоз хотинлар ҳам ишга чиқмайдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бир неча бўғоз хотинлар Кулишиб, ўзидан кетди.* «Ҳасанхон».

БЎҒОЗ II *геогр.* Икки сув ҳавзасини туташтирувчи тор сув йўли. *Гибралтар бўғози.* ▬ *Душманни изма-из қувиб бораётган қўшинлар билан Абдуллаевнинг взводи ҳам Керчь бўғозига етиб борди.* А. Раҳмат, Қаҳрамон сапёр.

БЎҒОТ 1 Қамиш солиб ёпилган томнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми. *Пешиндан бери ёғаётган ҳўл қор том бўғотларини, ариқ бўйларини оқартирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қуёшнинг иссиғи нам тупроқдан, ивиган бўғотлардан ҳовур кўтаради.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

Бўғот том Бўғот чиқарилган, бўғоти бор том. *Болахона бўғот томли, тишдан кўримсизгина бўлса ҳам, ичи бежирим — қадимча эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сув йўлининг (мас., ариқ ёки ариқчанинг) бўғилган жойи. *Бўғот солмоқ. Бўғотни очиб юбормоқ. Сувдан бурун, бўғот сол.* Мақол.

БЎҒРА, бўғро Икки ўркачли нар туя.

БЎҒРИҚМОҚ 1 Иссиқдан, чарчоқдан ёки жаҳлдан юзнинг, бўйиннинг қизариб тўлишиши, бўртиши. *Султоновнинг аччиғи юзига тепиб, қизариб бўғриқди.* М. Мансуров, Ёмби. *Онам нон ёпади бўғриқиб, бўртиб, Дам-бадам куяди қўли енгсакда.* Миртемир, Асарлар.

2 *кўчма* Қизғиш рангга кирмоқ, қизармоқ, шафақланмоқ. *Ботмоқдадир қуёш ҳам ахир, ҳансирар-да, бўғриқар осмон.* «Гулдаста».

БЎҒУВЧИ 1 Бўғмоқ фл. сфдш.

2 Нафас олишни қийинлаштирадиган, нафасни сиқадиган. *Бўғувчи газлар.* ▬ *Беда ораси жуда иссиқ, гўё қуёшнинг бутун олови беда ичига яширингандай, қизғин бўғувчи ҳаво юзга уради.* Ойбек, Танланган асарлар.

БЎҒЧА *эск. айн.* **бўхча.** *Керакли анжомларни икки бўғчага тугиб, бир четга қўйди.* С. Сиёев, Аваз. *Амалдорларнинг ёнида бир бўғча турли-туман чопонлар турарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

БЎҲТОН [а. بهتان — ёлғон, туҳмат] Бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво; туҳмат. *Бўҳтон қилмоқ. Бўҳтон тарқатмоқ. Бўҳтон ёғдирмоқ.* ▬ *Бир-бирларингизга туҳмат ва бўҳтон қилманглар.* «Ҳадис». *Бўлакни англа тўғри, тўғри юр, бўҳтонни касб этма.* Ҳабибий.

БЎҲТОНЧИ Бўҳтон қилувчи, бўҳтон тарқатувчи; туҳматчи. *Бўҳтончилар чиндан ҳам бахтсиз махлуқларки, улар ўз ғалабалари натижасида юзлари бадтарроқ қорайганини сезмайдилар.* Ойбек, Нур қидириб.



ВА [*а.* و] *боғл.* Тенг ҳуқуқли гап бўлаклари ва гапларни боғлаш учун хизмат қилади. *Шаҳар ва қишлоқ. Қор ва ёмғир. Кеча ва кундуз.* ▬ *Уй кичкина, лекин ёруғ ва тоза эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баҳри хийла олдинда Рисолат билан бирга борар ва отнинг қадам ташлаши мақомига ашула айтар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Кўнгил хазинасининг қулфи тилдир ва ул хазинанинг калити сўздир.* Алишер Навоий.

ВА [а — *чўзиқ*] *унд. с.* Нарса, кимса, ҳаракат кабиларнинг белгиси меъёрий даражадан пастлигини, мақтайдиган даражада эмаслигини ифодалайди. *Ва-а, бор қилган ишинг шуми?!* ▬ *Баъзилари кўзларини ўйнатиб,* "ўҳў! ўҳў!" *деса, баъзилари лабини буриб, "ва-а! ва-а!" дерди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

ВААЛАЙКУМ [*а.* وعليكم — сизнинг устингизда ҳам] (*тўғриси* — **ва алайкум**). Саломлашувда саломга жавоб беришнинг қисқарган шакли. *Бой унга қарамасдан, "ваалайкум" деб ўтиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВАБО [*а.* وبا — юқумли касаллик номи; ўлат] **1** Организмнинг сувсизланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик; ўта хавфли ичак касалликларидан бири. *Очлик орқасидан вабо келди. Оч, бир бурда нонга муҳтож, қип-яланғоч бўлиб қолган халқ битталаб, ўнталаб эмас, юзталаб, қишлоқлаб ўла бошлади.* С. Айний, Қуллар. *Шаҳарни босиб олган мўғуллар ҳам вабодан қирилаётган эканлар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *кўчма* Ўз амали, натижаси билан вабога тенг нарсага нисбатан қўлланади, нарсани вабога тенглаб ифодалайди. *Уруш! Инсоният бошига қандай мусибатлар солмади бу лаънати вабо.* М. Самадов, Карим партизан. *..XX аср вабоси — СПИД билан касалланганлар пайдо бўлибди.* Газетадан.

3 *кўчма айн.* **эпидемия**. *Бухоро ва шофирконликлар ҳикоя қилишади: ..Абу Али ибн Сино одамнинг мадорини кетказиб, ўлимга олиб борадиган ришта вабосига қарши тадбир излашга уринган.* Туйғун, Йиллар ва кишилар.

ВАВАҒ 1 *тақл.с.* Бедана сайраганида эшитиладиган овозни, унга тақлидни билдиради. *Ҳа, субҳи козибда эмас, субҳи содиқда.. тезотар беданалар на тун демай, на тонг демай, "вавағ, вавағ, питпилиқ, питпилиқ"лаб сайраб турган бир паллада, елкасига халтасини осиб олган тўрт аскар.. етиб келишганди.* "Ёшлик". *Кўзлар илғагунча полиз, бедазор, Бедана ваваглар тўрғай кетидан.* Миртемир.

2 *кўчма* Бирон жиҳатига (беданага ишқибозлиги ёки бошқа хусусиятига) кўра киши номига қўшиб, лақаб сифатида ишлатилади. *-Қаймоқ бозорга кириб.. юрсам, бир бурчакда икки хурма қатиғини ерга қўйиб маҳалладаги оғайнилардан тегирмончи Абдулла ваваҳнинг укаси.. Убай ўтирибди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ВАГОН [*ингл.* wag(g)on — арава] Темир йўлларда йўловчилар ва юкларни ташиш учун мўлжалланган, очиқ ёки ёпиқ (уй) шаклдаги ғилдиракли махсус қурилма. *Темир йўл вагони. Трамвай вагони. Вагон ўқи.* ▬ *Поезд яқинлашди. Вагонларда тик туриб келаётган солдатлар кўринди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Бир изли трамвай йўлида биргина вагон бекат-бекатда кутиб турарди.*

Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳа, у юк ташийдиган вагонда жўнайди.. юкларнинг орасида писиб кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВАГОНЕТКА [*фр.* wagonnet – кичик вагон] Тор изли темир йўлда ва осма йўлларда юк (баъзан одам) ташиш учун хизмат қиладиган, вагонга ўхшаш кичик қурилма. *Вагонеткалар карьер, шахта, завод, шунингдек, қурилиш майдонларида яқин (одатда 0,5-2 км) масофага юк ташишда ишлатилади.* "Политехника луғати". *Гўнгни олиб кетиш ва сигирларга ем-хашак олиб келиш учун ерда юрадиган осма вагонеткалардан фойдаланилади.* "Зоология".

ВАГОНЕТКАЧИ Вагонетка билан ишлайдиган, вагонеткани бошқарувчи ишчи. *Йўлдошнинг ўзи аввалари темир-бетон конструкцияларни омборга узатадиган кранда ёрдамчи бўлиб ишлар эди. Ҳозир блокларни печга ташийдиган вагонеткачиларнинг бригадири.* А. Мухтор, Чинор.

ВАГОНЛАБ Вагондаги ҳолича, вагон-вагон қилиб. *Вагонлаб сотмоқ.* ▬ *Қоракўл тери дейсизми, ипак молми – барини вагонлаб соттирдим.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ВАГОНСОЗЛИК Машинасозликнинг вагон ишлаб чиқарадиган тармоғи. *Вагонсозлик заводи.*

ВАГОНЧА 1 Кичкина вагон. *Темир йўлимиз обод ва кўркам, Вагончаларда ўйнаб кетамиз.* И. Муслим. *Чекадиган эркаклар учун алоҳида, чекмайдиган леди ва жентльменларга алоҳида вагончалар кўзда тутилган.* Газетадан.

2 Дала, йўл, қурилиш шароитида яшаш (туриш) учун фойдаланиладиган тўрт ғилдиракли кўчма уйча. *Тошқин рўй берган зонадан кўчирилган аҳоли вагончаларга, меҳмонхоналарга жойлаштирилди.* Газетадан. *Чўлқуварлар ҳақидаги очерклар, репортажлар ва лавҳалар чодирларда, вагончаларда ёзилган эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ВАГОНЧИ *эск.* **1** Ғалла, пахта сингари молларни бошқа шаҳарларга вагонлаб олиб бориб савдо қилувчи катта савдогар. [*Жондор*] *Нари борса шу икки йил мобайнида гуриллаган бойликка эга бўлди, йирик ғалла савдоси билан машғул бўлгани учун вагончи деб аталди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Вагончи бойнинг ўғли эди.. Ваҳоб.. Биласанми? Ана, пул деган нарса ўшанда!* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Шундай шахснинг исмига қўшиб (лақаб каби) ишлатилган. -*Биз сеникига меҳмон бўлиб келдик. Бу киши дўстим Жондор вагончи, – деди Тантибойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВАГРАНКА [*р.* вагранка – чўян эритиш печи] *тех.* Чўян ва рангли металлар эритиладиган махсус печь. *Қуюв цехи тинмай гумбурлар.. оёқ остидаги ер доимо титраб турарди. ..олов пурковчи вагранкалардан оқиб келаётган лава арикчалардан жилдираб келиб, қолипларга қуйиларди.* Мирмуҳсин, Дегрез ўғли.

ВАГРАНКАЧИ Вагранкада ишловчи ишчи, мутахассис.

ВАДАВАНГ *с.т. тақл.с.* Жуда авжида (ашула, мусиқа, рақс ва ш. к. ҳақида). [*Рустам*:] *Бугун ашулалар вадаванг-ку, Шер ака!* О. Ёқубов, Чин муҳаббат. *Сув бўйида ҳарсиллайди подалар, тўқайларда қушлар базми вадаванг.* Миртемир.

ВАДАВАНГЛАТМОҚ *с.т.* Авжига чиқармоқ, вадаванг қилмоқ (бирор иш, қўшиқ, чолғу ва ш. к. ҳақида). *Бодомхон чирмандасини вадаванглатиб юборди. Шакархон «Яхши бор!» деган қўшиғини бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..чайқовчилар бу ёқдан тавба-тазарру қилган бўлади-да, у ёқдан яна ўз ишини вадаванглатиб юборади.* Газетадан.

ВАЖ I [*а.* وجه – юз, чеҳра; томон; сабаб, асос] **1** Бирор нарса, ҳодиса ва ш. к. ни келтириб чиқарувчи асос; сабаб. *Кўктемирни қўшиб чала ўлик қиятни.. дўхтирга юборганинг важини энди билдим, аблаҳ!* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Менга айтгин йиғлаганинг важини, Не сабабдан бундай ўксиб йиғлайсан?* «Баҳром ва Гуландом».

2 Иш-ҳаракат, ҳодиса ва ш. к. ни оқлаш учун кўрсатиладиган, келтириладиган сабаб, асос; баҳона. *Дангасанинг важи кўп, оҳангсизнинг – авжи.* Мақол. ▬ *Билиб, кўриб туриб.. ўзини оқлашга важ қидиряпти.* С. Нуров, Нарвон. *Йилнинг охирида миллион-миллион ажратилган маблағ фойдаланмай қолиб кетади. Унгаям важ топиб берадилар.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Важ қилмоқ Сабаб қилиб кўрсатмоқ, баҳона қилмоқ. *Чавандоз аллакимлар билан маслаҳатлашиб олишни важ қилиб, справкани пайсалга солди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

3 Бирор нарсага тааллуқли жиҳат, томон. -*Қорин важи унча мақтарли эмас.. – деди*

Шум бола. F. Fулом, Шум бола. *Аммо мендан сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир важ билан камсита олмайман, балки бизга қуда бўлмоққа энг мувофиқ кишилар эди, балли, ўғлим, дейман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ВАЖ II [*а.* وجه − хизмат ҳақи, бадал] Муайян мақсадга мўлжалланган нарса. *Деҳқон ёки боғбон бозорга олиб келган важини кўтарасига наридан-бери сотади-ю, кам-кўстини харид қилиб, тирикчилигига шошилади.* К. Яшин, Ҳамза.

ВАЖИДАН *кўм.* Бирор нарсага алоқадорликни, сабаб муносабатини билдиради; жиҳатидан, хусусидан; сабаби билан, сабабли. *Хушрўй иккинчи ва учинчи ҳафталарда ўчоқ бошини ўз қўлига олиб, кундошини иккита ёш боласи билан томоқ важидан ҳам сиқа бошлайдир.* А. Қодирий. Ўтган кунлар. *Билмаган одам уни тирикчилик важидан қийналиб қолган гумон қилади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *.. нима важдан ётганингизни биламан-у, чалғитмоқчи бўласиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Мен хизмат важидан ҳар йили неча марталаб ўлкамиз қўриқларида бўламан.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ВАЖ-КОРСОН Ўз қилмишини асослаш, далиллаш учун келтириладиган сабаб, баҳоналар. *Важ-корсон кўрсатмоқ.* ▬ *Бояги йигит − терговчи шу ерда эди. У Ҳикматилла камерасининг ҳавосини олиб, важ-корсонларини режалаб қўйгунча чақириб суҳбатлашди.* Шуҳрат, Умр пиғоналари. *Ҳасанов ва Хидировларнинг важ-корсонларига маҳлиё бўлса керак-да.* «Муштум». *Йиғи-сиғи, важ-корсон билан қутулиб бўлмайди, одам ўлиб турибди! Одам! Кимдир бунга жавоб бериши керак.* А. Мухтор, Туғилиш.

ВАЖОҲАТ [*а.* وجاهت − донгдорлик, муносиблик; аҳамият, муҳимлик] **1** Одамнинг кўзга ташланувчи гавда бичими, қиёфаси, савлати. *Бу «улфати чор» ичида катта саллали, оппоқ соқолли, лекин важоҳати йигитдай бир кекса киши диққатни ўзига жалб этади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шукуржонни яна унинг бутун важоҳатидан ёғилиб турган куч-қувват.. юзининг қизиллиги ҳайрон қолдирди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

2 Руҳий ҳолат, кайфиятнинг кўзга ташланувчи ифодаси, кўриниши; авзо. *Мунира ялт этиб эрига қаради, важоҳатини кўриб, ўрнидан турди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Отахўжа ака Эсон бобонинг эрталабки важоҳатидан ташвишли гап борлигини сезганди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Маҳкам қўлларини мушт қилиб, қўрқинчли важоҳат билан Зокирга отилди, аммо бир неча киши бирдан орага тушди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ВАЖОҲАТЛИ Гавда бичими, кийиниши, кўриниши билан ажралиб турадиган; савлатли, салобатли. *Бир қанча вақтдан буён важоҳатли, салла-каллали уламо, мударрис, аъламлар орасида қолдим.* Ойбек. Танланган асарлар. *Биз болалар қўрқадиган важоҳатли бўлмасак керак.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ВАЖ-ТАҚАЛ *айн.* **важ-корсон**. *Хўп, важ-тақал қилиш на ҳожат, жаноб бой. Яширин фотиҳа қилинганлигини билмаган эканман, жанобларидан узр сўрайман.* К. Яшин, Ҳамза. *Мен истеъфодаги одамман, сўзим ҳам ўтмайди, илтимосим ҳам, деб важ-тақал қилдим.* Газетадан.

ВАЖУ Лағмон хамири устига солиш учун қийма, сабзи ва ш. к. дан тайёрланадиган махсус пишириқ, қайла. *Лағмон важусига, албатта, саримсоқ солиб пиширилади ва паловнинг бир тури − «саримсоқ палов» дамлаганда, бу таом ғоят шифобахш бўлиб қолади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ВАЖҲ [*а.* وجه − сабаб, асос] *эск. кт. айн.* **важ**. *Фақир бўлсам, бу важҳдан бисёр мололхотир бўлиб, ҳар турлик чораларни кўрар эрдим.* А. Қодирий, Fирвонлик Маллавой. *..совуқ хабар бўлса керак, эшондан ором қочди.* А. Муқимов, Қопқон. *Хоқонимиз назарларида шаҳзодамнинг эътиборларини ҳар важҳ билан илгари сурурмен.* Ойбек, Навоий.

ВАЗА [*лот.* vas − идиш] **1** Мева-чева, ширинлик солиб дастурхонга қўйиладиган идиш. *Бир вазада бандидан янги узилгандек тилла олмалар, иккинчи вазада ҳар биттаси кичикроқ чойнакдай келадиган анорлар.* С. Анорбоев. Оқсой.

2 Гул солиб қўйиладиган ёки уйларга, жамоат биноларига зийнат учун қўйиладиган нақшдор, чиройли идиш, кўра. [*Гулнор*] *Безак учун у ерга, бу ерга қўйилган катта-кичик чиройли хитой вазаларини латта билан яхшилаб артди.* Ойбек. Танланган асарлар.

ВАЗЕЛИН [*фр.* vaseline < *нем.* Was (ser) − сув + *юн.* elation − мой] Нефтдан олинадиган ва тиббиётда, косметикада, техникада ишлатиладиган қуюқ мой. *Агар вазелинга норка, қоракўзан ёғи қўшилса, у ялтиғланишга*

қарши доривор хоссага эга бўлар экан. «Фан ва турмуш». *Тиббиёт вазелини.. яллиғланишга қарши таъсир этади ва терини ҳар хил зарарли таъсирлардан сақлайди.* Газетадан.

ВАЗИР [*а.* وزير – вазир, министр] **1** *тар.* Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларида, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат идораси ёки кенгаши (девони) бошлиғи. *Сарой вазири ноилож бош эгиб, фармони олий ҳозирлагани чиқиб кетди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Вазири аъзам Улуғ вазир, вазирлар бошлиғи. Ўрта асрларда ҳукуматнинг олий идораларини бошқарган юқори мансабдаги шахс – ҳозирги бош вазир.

2 Мамлакатда муайян тармоқ фаолиятини бошқарувчи шахс. *Соғлиқни сақлаш вазири. Олий ва ўрта махсус таълим вазири.* ▬ *Республика Молия вазирининг таъкидлашича, келаси йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларига 65 млрд сўм ажратилади.* Газетадан.

Вазирлар Маҳкамаси Баъзи мамлакатлар, жумладан Ўзбекистонда, ҳукуматнинг номи.

3 *кўчма* Оилада, жамоада бошлиқдан кейинги мавқеда турувчи шахс. *Ахлоқ-одобда ҳам ўрнак бўла бил, Эрлар бош бўлишса, кучли оила. Рўзғорда аёллар ҳар доим вазир, Фарзандлар равнақин ўйлайди она.* Газетадан. *Овулингнинг оқсоқоли мулла Фозил, Ўлтирар бек олдида икки вазир.* «Оқ олма, қизил олма».

ВАЗИР-ВУЗАРО [*а.* وزرا – "вазир" сўзининг бирлиги ва кўплиги] Подшоҳ ва хонлар саройидаги вазирлар ва бошқа катта амалдорлар, аъёнлар. *Хон ўзининг вазир-вузаролари, посбонлари билан етиб келибди.* «Ўзбек халқ эртаклари».

ВАЗИРЛИК Ривожланган давлатларда (мас. АҚШда) алоҳида бир соҳага раҳбарлик қиладиган ижрочи орган. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг марказий бошқарув органи, давлат маҳкамасининг муҳим қисми.

ВАЗИФА [*а.* وضيفه – амал, лавозим; хизмат, топшириқ; иш ҳақи] **1** Амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад, мақсадли иш. *Миллатни уйғотиш – уйғонганларнинг вазифаси.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Иккинчи жуда муҳим вазифа – халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш.* Газетадан. *Эндиги муҳим вазифа – ўрим-йиғимни ғоятда қисқа фурсатда уюшқоқлик билан ўтказиш..* Газетадан.

2 Зиммада бўлган муайян иш, ишлар. *Руслан билан Нормат кўчага чиққанларида, ўз вазифаларини бажарган партизанлар буғдойпояга қайта бошлаган эдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сиз қишлоқда бўлганингиз сабабдан, келгунингизча ишлар тўхтаб қолмасин, деб вазифамдан ташқари ишларга уриндим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Тоға, Сизнинг вазифангиз – меҳмонни истаган одам билан гаплаштириш, истаган ерига олиб бориш.* «Гулдаста».

3 Доим амалга ошириш, амал қилиш, бажариш лозим бўлган иш; бурч. *Эр топганини саранжом-саришта қилиш – хотиннинг вазифаси.* «Муштум». *Унинг* [*элнинг*] *овозига қулоқ солмоқ, шикоятларини сабр-тоқат билан тингламоқ вазифамиздир.* Ойбек, Навоий.

4 Бажариш учун берилган, топширилган иш; топшириқ. *Эртаси куни* [*Элмурод*] *ўз шогирдларига вазифа бериб қўйди-да, аёлларнинг ўқишини кўришга келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўқитувчи уй вазифаларини бера бошлади.* Ў. Усмон, Сирли соҳил.

5 Бирор нарса бажарадиган иш, хизмат. *Товуш тўлқинларини тутгич вазифасини ўтовчи қулоқ супраси табобатда катта аҳамиятга молик экани Шарқ тиббиётида қадимдан маълум.* «Фан ва турмуш». *Ётоқхонада истиқомат қилувчилардан ҳар бирининг китоб ва дафтарлари кечаси ўзига ёстиқ вазифасини ўтар эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

6 Хизмат лавозими, мансаб, амал доирасида бажариладиган ишлар мажмуи. *Директорлик вазифаси.* ▬ *Комиссия ёш ўқитувчиларни бирма-бир чақириб суҳбатлашишга ва уларнинг қаерда қандай вазифада ишлашини белгилаб беришга киришди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Вилоят халқ депутатларидан беш киши.. жиддий камчиликлари учун ўз вазифаларидан бўшатилдилар.* Газетадан.

ВАЗИФАДОР *эск. тар.* **1** Темурийлар даврида муайян мансабдаги шахс; мансабдор, амалдор. *У Абдусамад мирзо даврида.. майда вазифадорлардан эди.* Ойбек, Навоий.

2 Хонлик даврида ўрдада ишлаб, маълум миқдорда маош, пул олиб турувчи. *Бухорода хатми кутуб қилиб келган бир "олим" ақалли бир маҳалла имоматига хархашасиз ўтол-*

масин-да.. бир бесавод етим.. ўрдадан фалон тилла вазифадор бўлсин. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ВАЗИФАДОШ Бир хил вазифага эга, бир хил вазифа бажарувчи. «*Яшамоқ» феълининг асл маъноси «борҳаёт бўлмоқ»дир. Бу феъл ҳам «истиқомат қилмоқ»қа вазифадош ишлатилади.* «ЎТА».

ВАЗИЯТ [*а.* وضعيّت – мавқе, ҳолат] **1** Бирор нарсанинг фазода эгаллаб турган ҳолати, ўзини тутган ҳолати (бошқа нарсаларга нисбатан). *Нуқтанинг вазиятини аниқлаш.* ■ *Ой ўзининг Ер атрофидаги ҳаракатида Қуёшга нисбатан турли вазиятларни олиб турганлигидан Ойнинг кўриниши ўзгаради.* “Астрономия”.

2 Кишининг ташқи кўриниш, руҳий ва б. жиҳатдаги ҳолати; қиёфа, авзо. *Ҳар хил вазият ва турли кайфиятда ўтирган кишиларнинг сон-саноғи йўқ.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тантибойвачча мағрур ва мамнун бир вазият олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўша қувноқ вазиятини ўзгартирмай қўшиб қўйди: Оёғингиз оғримаяптими?* С. Кароматов, Олтин қум. *Темур ҳам ўйчан вазиятда, кулмай-нетмай жавоб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Тутган ўрин, мавқе, нуфуз. *Одамлар устидан хусусий мулк ҳукмрон бўлган, кишининг жамиятдаги вазияти, салмоғи, ҳуқуқи, обрўси унинг мулки билан ўлчанадиган бир замонда инсон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Жамиятдаги, ҳаётдаги шароит, ҳолат. *Оғир вазият. Жиддий вазият. Сиёсий вазият. Халқаро вазият. Вазиятни тушунтирмоқ.* ■ *Мен унинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута билишига.. қойил қолардим. Мен ҳатто бориб, вазиятни билиб келмоқчи ҳам бўлган эдим.* С. Кароматов, Олтин қум.

ВАЗМИН [*а.* وزين – оғир; вазндор, салмоқдор] **1** Оғирлик ўлчами катта, катта оғирликка эга; енгилнинг акси, оғир. *Вазмин тош. Вазмин юк.* ■ *Йигиталининг ҳовлисига вазмин чўян дарвоза орқали кирилар, унинг ёнбошидаги.. кичик уйчада чўққисоқол қоровул ўтирарди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Вазминроқ жангчи йўлиқиб қолса, жанг майдонидан олиб чиқишда қийналар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма* Бир маромда, оғир, оҳиста ва салобатли (ҳаракат, юриш-туриш ва ш. к. ҳақида). *Воҳид Миробидов олимларга муносиб дид билан безатилган кенг, баҳаво хонасида вазмин одимлаб, яна узоқ юрди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Жийдаларнинг эгилган новдалари вазмин тебранади.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Атрофдаги саҳро тунининг вазмин сукунати алламаҳал бўлиб қолганини билдирарди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

3 Табиатан босиқ; оғир. *Бир қарашда вазмин, мулойим кўринган бу жувон анча шўх экан.* С. Нуров, Нарвон. *У* [*Миржалил*] *вазмин, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тутиб туради.* Газетадан.

ВАЗМИНЛАШМОҚ 1 Оғирлик ўлчами ошмоқ; оғирлашмоқ. *Юки вазминлашмоқ.*

2 Вазмин характер-хусусият касб этмоқ. *Аҳмаджон анча етилиб, вазминлашиб, бригадага бошлиқ бўлиб олган эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ВАЗМИНЛИК 1 Сезиларли вазмин даражага эгалик. *Яланғоч теракларнинг шохлари тизилишиб ўтирган қарғаларнинг вазминлигидан эгилган.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Вазмин хусусият. *Оқил кишиларга истиғно ва ғазаб эмас, андиша ва вазминлик зеб-зийнатдир.* С. Сиёев, Аваз. *Чидам даркор, вазминлик даркор, Куйлагани эрлар туйғусин.* Миртемир.

3 Вазмин ҳолат, тарз. *Навоий вазминлик билан [подшоҳга] мурожаат қилди.* Ойбек, Навоий. *Юсупов боланинг ёнига борди-да, гуллаб турган дарахтни кесма, деб вазминлик билан тушунтирди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ВАЗН [*а.* وزن – ўлчов, вазн] **1** *кам қўлл.* Ўлчов. *Табиатда қудрат борми, Биздан вазн олмасин..* Ғ. Ғулом.

2 Оғирлик; оғирлик ўлчами; салмоқ. *Юк вазни. Молнинг тирик вазни.* ■ *Эгамберди, шу буғдойнинг вазнига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўш!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Сафо махсум таҳорат учун қумғонни кўтарди-ю, вазни енгиллигидан бўм-бўшлигини фаҳмлади.* Ҳ.Ғулом, Замин юлдузлари.

3 *кўчма кам қўлл.* Шахснинг мавқеи, мавқе даражаси. *Салимхон жон-дили билан Саидийни бегонасиратмасликка, ўзи билан бир текисликка қўйишга тиришар ва ҳатто ўзини нодонликка солиб, Саидийнинг вазнини орттирар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 *ад.* Шеърий сатрда шеърнинг ритм оҳанги ва тузилишини белгиловчи бўғинлар

сони ва жойланиши; шеър ўлчовлари. *Аруз вазни. Бармоқ вазни.* ▬ *Шеърлар маълум ўлчовда ёзилади. Шеър ўлчовлари вазн деб аталади.* "Адабиёт назарияси".

5 *мус.* Мусиқа асарида унинг ритм оҳангини ва тузилишини белгиловчи ритмик бирликлар сони ва жойланиши. *Ҳали олдиндадир гўзал кунларим, Ҳали лаб тегмаган кулгулар олдда. Вазнга тушмаган қўшиқлар олдда. Ҳеч нима эмасдир бу кўрганларим.* А. Орипов, Йиллар армони.

ВАЗНДОШ Бир хил вазнга эга. *Мисрадаги шеърларнинг ўзаро оҳангдошлиги, вазндош ва қофиядош бўлиб келиши шеърнинг эмоционаллигини оширган.* «ЎТА».

ВАЗНЛИ 1 Маълум оғирликка эга бўлган; салмоқли. *Оғир вазнли курашчи* (*спрт*). ▬ *Сўнгра мулла Обидга хитобан айтади: -Ҳар бир деҳқони мўминга, яъни мусулмонга ўзининг зироатгоҳидан ҳосилотининг ўндан бирини, яъни вазнли ўлчовларда ўн пуддан бир пудини мустаҳиқларга бериш вожиб экан.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

2 *ад.* Бирор шеърий вазнга эга бўлган, бирор ўлчовда ёзилган. *Аруз вазнли шеър.*

ВАЗНСИЗ Вазнга, оғирликка эга бўлмаган. *У вазнсиз, еру осмон ўртасида гард мисоли ҳаволаниб борарди.* Газетадан.

ВАЗНСИЗЛИК 1 *мех.* Жисмнинг муаллақ физик ҳолати. *Учиш вақтида вазнсизликнинг инсон организмига салбий таъсирини йўқотиш учун мускуллар машқи, мускуллар электр стимуляцияси ва бошқалар бажарилади.* «Политехника луғати». *Космосда узоқ яшаган космонавтлардан бири Георгий Гречконинг фикрича, инсон вазнсизлик шароитида анча узоқ вақт бемалол ишласа бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Шахснинг муайян вазиятда ўнғайсиз ҳолатга тушиши. [*Баҳром*] *Рўпарасидан келаётган Насибанинг дугонаси ва унинг ёнида Матлубани кўриб, ўзини ғалати бир вазнсизлик ҳолатида ҳис этди.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси.

ВАЙИШ *шв.* Ишком. *Ингичка ходачаларга омонатгина кўтарилган вайишларнинг шохларини япроқлар кўмиб юборган, токлар шўраток, ғўраток ҳам қилинмаган эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ВАЙРОН [*ф.* ویران – йиқиқ, бузуқ, хароб] **1** Бузилиб, қулаб, харобага айланган (уй-жой, иморат ва б. қурилмалар, қурилмали жойлар ҳақида). *Уч кундан кейин, улар келганда, қишлоқ вайрон бўлган, баъзи бинолари ҳамон буруқсаб ёнарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бир қултум сув учун хонаси вайрон, Қишлоғин тарк этиб, адашарди эл.* Ғайратий. *Ёғди тўрт ёндин асрлар Бошингга тийри камон, Умри қурбон, мулки торож, Юрти вайрон, ўзбегим.* Э. Воҳидов, Ўзбегим.

2 *кўчма* Умуман, бузилган, синган ва б. жиҳатдан яроқсиз ҳолдаги нарса ҳақида. *Устбоши вайрон, юз-кўзлари қон.. сочлари тўзғиб кетган Шаҳзодахон тонготарга яқин «ғит» этиб эшикни очиб, ҳовлига чиқиб, бўлиб ўтган даҳшатли ҳодисадан уйдагиларни хабардор қилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Зулму истибдод ила миллатни вайрон этдингиз.* Аваз. *Айронингдан бермасанг, Қозонларинг вайронди.* «Бойчечак».

Кўнгли (*ёки* **қалби, дили**) **вайрон** Руҳан, қалбан жуда ночор, эзилган ҳолатли, кўнгли бузилган. *Хусусан, яқинда эшитган хунук бир хабарни хотирлаб, Авазнинг кўнгли вайрон бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Вайрон дилинг бўлғуси бир лутф ила обод.* «Гулдаста».

ВАЙРОНА [*ф.* ویرانه – вайрон бўлган жой, хароба] **1** *от* Вайрон бўлган жой; хароба. *Қузғуннинг севгани фақат вайрона..* Миртемир. *Санобархон зўр қийинчилик билан жойидан қўзғалди. Вайрона, култепага айланган бошпанасини ташлаб кетиш оғир мусибат эди унга.* С. Зуннунова, Гулхан. *Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам.* Э. Воҳидов.

2 *сфт. қ.* **вайрон**. *Ғуломжон ҳувиллаб, ўти сўниб қолган вайрона хонада бир зум гангиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Камбағалларнинг ўғил-қизлари ота-оналарига ҳайитга уст-бош қилиб беринг, деб йиғлар, ота-оналарнинг вайрона кўнглини яна бузишар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ВАЙРОНАГАРЧИЛИК *айн.* **вайронгарчилик**.

ВАЙРОНАЗОР *кам қўлл.* Вайроналар бўлган (эгаллаган) жой. *Гапнинг қисқаси, қишлоққа тушаверишда бир ўйиқ жой бор. Худди вайроназорга ўхшайди.* Ш. Холмирзаев, Юр, тоғларга кетамиз.

ВАЙРОНАЛИК *айн.* **вайронгарчилик**. *Зўравонлик – охири вайроналик.* Мақол. ▬ *Зулму вайроналиклар, талон-торожлар тинкасини қуритган бухороликлар Мирзо Улуғбекнинг.. мадраса қурмоқчи эканини эшитиб қувондилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Вайрон-валангор Бузилган, вайрон бўлган. *Бориб қарасам, учала водокачка ҳам вайрон-валангор, эгилган, букилган темир-терсаклари занглаб ётибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ВАЙРОНГАРЧИЛИК 1 Вайрон қилиш иши, хатти-ҳаракати, вайрон қилиш. *Эндиликда бизнинг муддаомиз у ўта қонли, ўта вайронгарчилик урушини биз кўрдик, келажак авлод кўрмасин, деймиз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Вайрон бўлган ҳолат; вайронлик. [*Биринчи секретар*] *Уруш ва гитлерчи босқинчиларнинг талончилиги орқасида Польшада вужудга келган даҳшатли иқтисодий вайронгарчилик ҳақида гапирди.* Газетадан.

ВАЙРОНЛИК Вайрон ҳолат. *Катания шаҳридаги ҳарбий аэродромда довул натижасида катта вайронлик рўй берди.* Газетадан.

ВАЙСАМОҚ Эътиборга лойиқ бўлмаган, кераксиз, бемаъни гапларни гапирмоқ. *Юз-кўзини соқол босган мулозим эшкак эшар экан, тинмай вайсарди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Хотинлар бетиним вайсаб.. ўз уйларидай, шовқинлаб* [*коридордан*] *чиқиб кетдилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ВАЙСАҚИ Ҳадеб вайсайверадиган, кўп гапиришни яхши кўрадиган. *Вайсақи одам.* ▬ *Аммо энг ёмони шу бўлдики, бу вайсақи ошна Ҳафизадан гап очиб қолди: -Кўриб турибсанми? — деди у суюғоёқ кимсаларни эслашга ўхшаш бир оҳангда.* Мирмуҳсин, Умид. *Мен индамасам, у индамаса, ҳалиги вайсақи авжига чиқаверади-да.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ВАЙСАҚИЛИК Бўлар-бўлмас гапларни вайсаш. *..мусобақа юзакичилик, гапдонлик, вайсақилик, кўзбўямачиликдан йироқ бўлиши керак.* Газетадан. *..пленум.. вайсақилик, мажлисбозлик ва қоғозбозликни қаттиқ қоралади.* Газетадан.

ВАЙСИРАМОҚ *кам қўлл. айн.* **вайсамоқ.** *Қутлуғ турмуш режалар-ла тўлиқ бўлса-да, Ўгит этмас, бир вайсираб ўтмоқ бўламан.* Ғ. Ғулом. *Саҳарга яқин унинг вайсираши тўхтади.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ВАКАНСИЯ [*лот.* vacans — кераксиз, ортиқча; бўш, эгалланмаган] Бўш ўрин, банд қилинмаган лавозим (идора, муассаса ва ш. к.). *Вакансия йўқ. Вакансияни эгалламоқ.*

ВАКАНСИЯЛАР *физ.* Қаттиқ жисмнинг кристалл панжарасида атом ёки ион бўлмаган бўш тугунлар.

ВАКАНТ [*лот.* vacantis — бўш, эгалланмаган] Ҳеч ким эгалламаган, бўш (идора, муассаса ва ш. к. штатидаги лавозим, хизмат ўрни тўғрисида). *Эшонбоев аспирантурани битиряпти, кафедрада вакант ўрин йўқ, борини Акбаров банд қилиб турибди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ВАКИЛ [*а.* وكيل — ишончли, ваколатли шахс] **1** Бирор киши, муассаса, ташкилот ва ш. к. номидан иш кўришга ваколати бўлган, унинг манфаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс. *Икки вакил у мулладан келади, Келиб қизнинг ихтиёрин сўради.* «Алпомиш». *Бир оздан сўнг юқоридан келган вакил билан трест бошлиғи ўзларининг ишларидан гап очди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Олим жамиятнинг бир неча вакиллари билан Венгрияга боради.* «Фан ва турмуш».

Вакил ота Мусулмонларнинг никоҳ маросимларида келин томонидан тайинланадиган вакил шахс (никоҳ ўқиш, куёв томоннинг келинга бериладиган мол-мулки ва ш. к. ларни келишишда қатнашади).

2 Бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи лавозимли киши, элчи. *Дипломатик вакил. Мухтор вакил.* ▬ *Мен Закаспий ҳукуматининг вакили Азизбек бўламан.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Бирор соҳа, ижтимоий гуруҳ, жамият ва ш. к. га мансуб киши; намоянда. *Республикамизнинг ҳар бир соҳа вакили 10 йилликни меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олмоқда.* Газетадан. *Даврада бир маҳалла кишилари, аммо турли фан вакиллари тўпланган эди.* «Фан ва турмуш».

ВАКИЛА Вакил аёл. *Саводхон авар йигити ўз халқининг вакиласига уйланади.* Газетадан. *Балки сиз энди халқ вакиласи бўлиб, шулар ҳақида ҳам ўйлаётгандирсиз.* «Саодат».

ВАКИЛЛАМОҚ *қ.* **акилламоқ**. *Узоқ ва яқиндан бошқа итлар ҳам вакиллашиб, унга овоз бера бошладилар.* Газетадан. *Тўғри, бой отам мол-мулкини ҳужжатлаб беришдан бош тортгандан кейин, Салим ғазабланди, болалик қилиб вакиллади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВАКИЛЛИК 1 Бирор шахс (вакил)нинг иккинчи шахс (ваколат берувчи) номидан ишонч қоғози ёки маъмурий ҳужжатга асосан қиладиган юридик ҳаракатлари.

2 *айн.* **ваколатхона**.

ВАКОЛАТ [*а.* وكالت – вакиллик; ҳуқуқдорлик] Бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва ш. к. номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи. *Кенг ваколат. Депутат ўзининг юксак ваколатини сайловчилардан олган.* ▬ [*Имом Сафар бўзчига:*] *Мен сизга мирзодан хизмат сўраб беринг, деб ваколат берган эмас эдим-ку!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ваколат ёрлиғини қўлингдан тортиб олиб, ўзингни Шоҳимардондан қувлаганим бўлсин!* К. Яшин, Ҳамза.

ВАКОЛАТДОР *эск.* Ваколатли. *Расмий намоянда бўлишим сифатида сиз жаноб комиссарга баён этишга ваколатдорманки..* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ВАКОЛАТЛИ Ваколати бор, вакиллик ҳуқуқига эга бўлган. *Улар орасида.. мустамлака ва қарам мамлакатларнинг ваколатли кишилари бор эди.* Газетадан.

ВАКОЛАТНОМА Ташкилот ва фуқароларнинг вакиллик қилиши учун берилган ёзма ҳужжат; ишончнома, ишонч қоғози. *Бу брошюрада.. васиятнома, ваколатномаларни қай тартибда ёзиш лозимлиги кўрсатилган.* Газетадан. *Азизим, омонат сақлайсиз, иншоолло, вақт-соати келса, ўзимга ёки менинг ваколатномамни кўрсатган кишига берарсиз.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ВАКОЛАТХОНА Бирор давлат томонидан ўзга мамлакатда таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса. *Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда тўрт немис банки ўз ваколатхоналарини очди.* Газетадан. *Москвадаги Венгрия савдо ваколатхонаси биносида «Электроника» фирмасининг кўргазмаси ишлаб турибди.* Газетадан.

ВАКУУМ [*лот.* vacuum – бўшлиқ] **1** Идишга қамалган, босими атмосфера босимидан анча паст бўлган газнинг ҳолати. *Вакуумда эритиш усулидан нозик буюмлар учун металлар ишлаб чиқаришда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.* «Политехника луғати». *Медиклар тавсия этган вакуум мосламалар 18 суткалик учишдан 96 суткалик учиш сари катта одим ташлаш имконини* берди. «Фан ва турмуш».

ВАКУУММЕТР [вакуум + *юн.* metron – ўлчов] Сийраклаштирилган газлар босими ўлчанадиган асбоб.

ВАКЦИНА [*лот.* vaccinus – сигирга оид < vaccula – сигир] Юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун ишлатиладиган эмдори; эмлашда ишлатиладиган дори. *Вакцина билан эмлаш.* ▬ *Бугунги кунда вирусларга қарши вакцина ёрдамида организмда иммунитет ҳосил қилишдан ортиқ ўткир, ишончли қурол йўқ.* «Фан ва турмуш». *Сарагулни ишдан чақириб келишди, келса – вақт ўтиб қолибди, боланинг ҳоли оғир, эмлашга вакцина керак эди.* А. Мухтор, Чинор.

ВАЛ [*нем.* Walze – жўва, ғўла, вал] *тех.* Турли машина ва механизмларда ўз ўқи атрофида айланадиган ва ўзига ўрнатилган деталга айланма ҳаракат ва куч узатадиган деталь; ўқ. *..вал орқали ҳосил қилинган айланма ҳаракатни шатун ёрдамида тебранма ҳаракатга келтириш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ВАЛАД [*а.* ولد – ўғил бола, ўғил; фарзанд] **1** *с.т. эск.* Шариат йўли билан никоҳланмаган ота-онадан туғилган бола; ҳароми.

2 *сўк.* Шундай шахсга нисбатли ҳақоратни билдиради; ҳароми. *Бора-бора мени менсимай қўяди бу валад!* М. Осим, Карвон йўлларида. *..электросушилка қилиб берайми, деб пичинг қилди. Қаёқда қилиб беради ўша валад.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

Валади зино Ҳаромдан бўлган бола; ҳароми. *Биласиз-ку ануни! Жуда ёмон чиқдида, валади зино эканми, билмайман.* «Муштум». *Бу валади зинонинг чангалига сен ҳам тушдингми? Бировнинг ҳалолини биров суядиган замон экан-да, водариғ!* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ВАЛАКИСАЛАНГ *с.т.* Ўтакетган бегам, бепарво; ишёқмас; хумпар, девона. [*Абдурайим:*] *Кўздан қолдингми, валакисаланг, колхозимизнинг бўрдоқига боқилган олди қўйлари-ку.* “Муштум”.

ВАЛАНГОР Бузуқ-юлуқ; бузуқ, яроқсиз. *Аллақачон фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 12 квартирали 9-уй тепаси ёпилмай, валангор бўлиб ётибди.* «Муштум». *Бир кун яна жўрамни кўргани борсам, аҳволи оғир, ҳувиллаган валангор ҳовлида, катта садақайрағоч тагида ёлғиз ўзи.. ётибди.* Н. Сафаров, Наврўз.

ВАЛАҚЛАМОҚ Тўғри келган мавзуда бўлар-бўлмас, ҳуда-беҳуда гапларни гапирмоқ. *Нимага буларни ишдан қолдириб, валақлаб ўтирибсан?* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Совуқ қилиқлари, ҳуда-беҳуда валақлай бериши, ҳамма ишга бош суқиши билан одамларни ўзидан бездирган.. эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ВАЛДИРАМОҚ *с.т.* Бўлар-бўлмас, нотайин гапларни гапирмоқ, оғзига келганини сўзламоқ. *Тожибой яна нималардир валдиради. Элмурод қулоқ солмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Укамиз Салим, — деди Ҳакимбойвачча, — оғзига нима келса, шуни валдирайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Валдираб қолибсиз, кўтаролмасангиз, ичиб нима қилардингиз.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

ВАЛДИРВАСАР *с.т. қ.* **валдирвоқи.**

ВАЛДИРВОҚИ *с.т.* Бўлар-бўлмас гапларни кўп гапирадиган, валдирайверадиган; эзма. *Нафисахон назарида қизи енгилтак эмас.. Баъзи қизлардек валдирвоқи эмас.* Мирмуҳсин, Умид.

ВАЛЕНКА [*р.* валенки < валять — думалатиб босиш (наматни)] *қ.* **пийма**. *Қирқ икки градус.. беш яшар Олег, Оёқда валенка, эгнида тулуп, Чана судрамоқда қаҳ-қаҳа уриб.* Ғ. Ғулом.

ВАЛЕНТЛИ *ким.* Муайян валентлик хусусиятига эга бўлган. *Икки валентли кимёвий элемент.*

ВАЛЕНТЛИК [*лот.* valens, valentis — кучли; мустаҳкам; соғлом] **1** *ким.* Бирор элемент атомининг бошқа элементнинг муайян сондаги атомини бириктириб ёки алмаштириб, кимёвий боғ ҳосил қила олиш қобилияти, хоссаси.

2 *тлш.* Тил бирликларининг (мас., сўзнинг) гапда бошқа сўзлар билан ўзаро бирика олиш қобилияти, имконияти. *Валентлик назарияси, луғавий бирликларнинг семантик валентлари.. бўйича бир қанча илмий мақолалар, махсус монография босилиб чиқди.* «ЎТА».

ВАЛЕРИАНА [*лот.* valeriana < Valeria — шу ўсимлик келиб чиққан жой номи] Пуштиранг гулли, илдизидан шифобахш дамлама тайёрланадиган кўп йиллик ўт ўсимлик.

ВАЛЕРЬЯНКА Валериана ўсимлигининг илдизидан эфир ёки спиртда тайёрланган, асабни тинчлантириш учун истеъмол қилинадиган дори. *Овқатдан олдин ва кейин кодеин.. валерьянка томчиси каби дорилар берилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ВАЛИАҲД [*а.* ولىعهد — тожу тахт меросхўри, тахт вориси] Подшоҳ ёки хон ўз тириклигида ўрнига тайинлаб қўйган тахт вориси. *Хон ўй дарёсига ғарқ бўлди: "Кимни валиаҳд қилай? Шуними? Катта ўғилларим бир-бирлари билан уришмасмикинлар, тахт талашмасмикинлар?"* Ж. Шарипов, Хоразм. ..*Самарқанд подшосининг қизи бизнинг валиаҳдимиз Бобур мирзога беш яшарлигидан унаштириб қўйилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ВАЛИДОЛ [*лот.* validus — кучли, ўткир; соғлом + oleum — ёғ, мой] Марказий нерв системасини тинчлантирадиган ва томирларни рефлекс йўли билан кенгайтирадиган дори. *Бирдан "гум-бур!" Чўчиб кетган болакай безовталаниб йиғлай бошлади, бир сапчиб тушган юраги хаста одам тил тагига валидол ташлайди.* Газетадан.

ВАЛИЙ [*а.* ولى — эга, соҳиб; авлиё] *дин.* Худонинг гўё бўлажак ҳодиса, воқеаларни олдиндан айтиш, ғойибдан хабар бериш қобилиятига эга бўлган энг севимли, энг азиз бандаси; авлиё. *Одамлар Султон девонани "оташнафас" валий деб мақташар эди. Ўша нодон, алданган кишиларнинг мақтаб.. юрган "соҳиби каромати", бир алжиллаб ўтирган банги экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ғайбдан хабар берувчилар икки турли бўладилар: биринчиси — валий, иккинчиси — коҳин (фолбин).* С. Айний, Эсдаликлар.

ВАЛИНЕЪМАТ [*а.* ولىنعمت — неъмат эгаси, боқувчи; олиҳиммат, сахий] **1** Ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахс. -*Бу киши* [*Жамолбой*] *менинг валинеъматим, пирим бўлади, — жиддий жавоб берди Абдишукур.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мулла Абдураҳмон ҳам валинеъмати бўлган Анварнинг риоясини унута ёзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. -*Баракалла! Акбарали мингбоши сенга ким бўлади?! — Отахон. Валинеъмат..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Олиҳиммат, сахий одам; хайр-саховатли, қўли очиқ киши.

ВАЛИШ *шв.* Ишком. *Ҳовли унчалик катта эмас, лекин атрофи қатор уй, уйлар устигача валиш. То қиров тушгунча турли хил узумлар сарғайиб, қуёшда товланиб ётади.* Газетадан.

ВАЛЛАМАТ 1 *с.т. айн.* **валинеъмат 1**. *Ёрим Аҳмад, азаматим бўлмаса, Ҳолим сўрар валламатим бўлмаса.* «Ойсулув».

2 Элнинг каттаси; бошлиқ, амалдор. *Юртнинг валламатини чақир.* Ойбек, Навоий. *Отажон, сендирсан юртнинг эгаси, Қаддингдан, валламат, сенга йўл бўлсин.* «Равшан».

3 Эл хизматида бўлган; сахий (шахс ҳақида). -*Раҳматли валламат одам эдилар,* – *таассуф билан гапирарди кимдир,* – *маҳалла ташвиши, маҳалла дарди билан яшардилар..* «Ёшлик». *Шеър-ку борликка бор, аммо муштумбоп эмас, пахтамиз, «оқ олтин» етиштираётган валламат пахтакорларимиз хусусида эди.* «Муштум».

4 *кўчма* Мард киши; мард. *Ана, бек Гўрўғли жомни кўтарди, Олиб ичадиган валламат борми?* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

5 (3-ш. қўшимчаси билан – **валламати**). Ман-ман дегани, ҳар қандайи. *Валламати ҳам дунёга икки марта келмайди-ку, ҳаммага ҳам жон ширин.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Бугун-эрта менга сув тегадиган. Ма, мендан бошқа валламати айтсаям, берма!* С. Сиёев, Ёруғлик.

ВАЛЛАМАТЛИК Бағри кенглик, сахийлик маъносида. *Шундан тезроқ қутулгиси келиб, Искандарнинг кўнглига беихтиёр бир гап келиб, қувлиги тутди. Бундан ўзининг ҳам чиройи очилиб кетди: -Қанча керак?* – *деди валламатлик билан.* М. Мансуров, Ёмби.

ВАЛЛОҲ(И) [*а.* والله – худо ҳаққи, азбаройи худо] Худо ҳаққи, азбаройи худо. *Бунда қандай маъно бор? Валлоҳи, тушунмайман!* Ойбек, Навоий.

Валлоҳи аълам [*а.* والله اعلم – Аллоҳ яхши билувчидир] Аниқ эмасликни, аниқ билмасликни ифодалайди; Аллоҳ, худо билади, билмадим. *Қора паранжиси бориди.. Валлоҳи аълам, отасининг исми.. бир нарса сўфи.. Ҳа, Раззоқ сўфи.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ВАЛФАЖРИ [*а.* والفجر – тонг; ибтидо; Қуръондаги 89-сура номидан]: **валфажри ўқимоқ** Қалдирғочнинг ўзига хос овоз билан куйлаши, сайраши ҳақида. *Қалдирғоч мачитнинг.. баланд панжарасига ўтириб олиб, ҳадеб валфажри ўқимоқда.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бир неча қалдирғоч Салор оқими бўйлаб учар ва учган кўйи «валфажри» ўқир эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ВАЛЬВАЦИЯ [*фр.* evaluation – баҳо; баҳолаш < *лот.* valere – кучаймоқ; баҳоланмоқ] Чет эл валютаси ва қимматбаҳо нарсаларни миллий пул бирлигида белгилаш.

ВАЛЬС [*фр.* valse < *нем.*Walzer < walsen – думалатмоқ, айлантирмоқ] **1** Одатда жуфт-жуфт бўлиб, уч тактда бир айланиб, оҳиста давра олиб ўйналадиган равон ва вазмин рақс ва шу рақс мусиқаси. *Қадаҳлар жаранглар.. юзлар худди чўғ. Радио вальсидан дилларда туғён.* Ж. Жабборов.

2 Уч чоракли мусиқа асари. *Денгиз тўлқинида тиниқ бир куй янгради. «Штраус.. Мовий Дунай вальси»,* – *деб ўйлади Алимардон.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулок сол.

ВАЛЮТА [*итал.* valuta – қиймат, баҳо < *лот.* valere – кучли бўлмоқ; қадрланмоқ, баҳоланмоқ] **1** Муайян давлатнинг пул бирлиги (сўм, танга, доллар ва б.).

2 Пул тизимининг тури (олтин, кумуш ёки қоғоз валюта).

3 Хорижий давлатларнинг пуллари, халқаро ҳисоб-китобларда қўлланадиган хорижий пул бирлигидаги кредит ва тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар ва ҳ.к.).

Валюта бозори Чет эл валюталари ва чет эл валюталари ҳисобидаги тўлов ҳужжатларининг олди-сотдиси бўйича барқарор иқтисодий ва ташкилий муносабатлар тизими. **Валюта курси** Мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси. **Валюта тизими** Валюта ҳаракати билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тизими.

ВАМПИР [*фр.* vampire < *нем.* Vampir] Герман ва славян халқларидаги хурофий ривоятларга кўра, гўрдан чиқиб, тириклар қонини сўрувчи афсонавий одам-махлуқ.

ВАМПИРЛАР [*нем.* Vampir] Субтропик ва тропик Америкада тарқалган, иссиққонли жониворлар қони билан озиқланадиган кўршапалаклар оиласи.

ВАНАДИЙ [*лот.* Vanadium < қадимги скандинав гўзаллик маъбудаси Ванадис номидан] Кимёвий элемент, Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кумушранг қаттиқ, мўрт металл.

ВАНГ-ВАНГ *қ.* **анг-анг**.

ВАНГИЛЛАМОҚ *қ.* **ангилламоқ**.

ВАНДАЛИЗМ [*лот.* vandali] Маданий-тарихий ва моддий бойликларни ваҳшийларча бузиш, йўқ қилиш.

ВАНДАЛЛАР [*лот.* vandali ва *нем.* Wandalen – қадимги немис қабиласи номидан] **1** Қадимги германларнинг шарқий тармоғига мансуб қабилалар.

2 *кўчма* Маданий бойликларни, тарихий ёдгорликларни оёғости қилувчи, ваҳший одамлар.

3 *кўчма* Маданиятсиз, жоҳил одамлар.

ВАНИЛИН [*фр.* vanilline] Ваниль ҳиди келадиган, сунъий йўл билан олинадиган рангсиз аччиқ кристалл модда. *Кобальт гамма нурлари билан ғўзапояни нурлантириб, саноат учун қимматбаҳо хомашё — ванилин олиш мумкин эканлиги аниқланди.* «Фан ва турмуш».

ВАНИЛЬ [*фр.* vanille ёки *исп.* vanilla — қўзоқча; тропик мамлакатларда ўсадиган ўсимлик] *бот.* Орхисдошларга мансуб, узунчоқ ингичка мевали тропик ўсимлик ва унинг зиравор сифатида ишлатиладиган меваси.

ВАННА [*лот.* vannus — идиш, коса] **1** Чўмилиш, ювиниш учун ясалган катта узунчоқ тос, идиш. *Сирланган ванна. Ваннада чўмилмоқ.* ▬ *Нам сочининг йилтиллаб туриши қизнинг ҳозиргина ваннадан чиқиб келганлигидан далолат берарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 *тех.* Ҳар хил эритма, суюқлик ва ш. к. ни солиш ёки турли жараёнларни олиб бориш учун фойдаланиладиган махсус идиш. *Ремонт олиб борилаётган ёпиқ майдонча бу ишга мутлақо мослаштирилмаган: бу ерда верстаклар, ванналар йўқ.* Газетадан.

3 Гигиена ва профилактика мақсадида сув, балчиқ, ҳаво ёки офтоб таъсир эттириш йўли билан амалга ошириладиган муолажалар; даволаш (даволаниш)нинг шундай воситаси. *Қуёш ваннаси. Ҳаво ваннаси.* ▬ *Ёз ойларида бу ерда* [*Чимён сувида*] *ҳар куни беморлар икки юзга яқин ванна олишади.* М. Мансуров, Чимён суви. *Совуқ пайтда — иссиқ, иссиқда — совуқ сувли оёқ ваннаси қабул қилинади.* «Фан ва турмуш». *Турли хил даволаш ванналари беморларнинг соғлиғини яхшилашда катта роль ўйнамоқда.* Газетадан.

ВАННАХОНА Ванна ўрнатилган уй, хона. *Энди ўрнимдан турсам.. бир ваннахонага чиқиб.. яхшилаб ювинсам..* Чўлпон, Кеча ва кундуз. [*Расул ака*] *Боя ўзи ўт ёққан ваннахонага чўмилгани кириб кетди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ВАНҒ I *с.т.*. Авжида, баравж. *-Турмуш ванғ дегин ҳали, — деди Элмурод истеҳзоомуз.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Ванғ бўлмоқ Ҳанг-манг бўлмоқ, ҳайрон қолмоқ. *Мен шундоғ оғзим очилиб, ванғ бўп қолдим.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ВАНҒ II *тақл с.* Шовқинли овозга тақлидни билдиради. *Милтиқнинг ванғ этган овози эшитилди.*

ВАНҒИЛЛАМОҚ I *с.т.* Яхши йўлга тушиб кетмоқ, юришиб кетмоқ. *Мана шундайлари топилди-ю, унинг иши яна ванғиллаб кетди.* А. Муҳиддин, Ўтники ўтга, сувники сувга.

ВАНҒИЛЛАМОҚ II Шовқинли, ёқимсиз баланд овоз чиқармоқ (ҳаракатдаги нарсалар ҳақида). *Трамвай ванғиллаб кетаётир. Самолёт ванғиллаб учиб юрибди.* ▬ *Деворга — михга илиб қўйилган кичкина радио бирдан ванғиллаб гапириб юборди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Худди шу пайт пастда, қасрнинг ичида, нимадир портлаб, бўш хоналар ванғиллаб кетди.* О. Ёқубов, Излайман.

ВАРАЖА *шв.* Титроқ, қалтираш. *Мен энди қизий бошладим. Баданим жимирлаб, ваража қилди. Ғайратим келди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бир кун денг, шундай иситма қилдим, ваража тутди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ВАРАНГЛАМОҚ Қаттиқ жарангли товуш чиқармоқ. *Азимиддин чўнтагидан наганини олишга улгурди. Ўқ варанглади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Варанглама́й овозинг ўчкур, эски карнайдан ясалганми, нима бало!* «Гулдаста».

ВАРАҚ [*а.* ورق — барг, япроқ; қоғоз варағи] **1** Бўйи ва эни маълум ҳажмга эга бўлган, асосан ёзиш учун ишлатиладиган қоғоз, қоғоз бўлаги. *Эртоев стол тортмасидан бир варақ қоғоз олиб, нималарнидир тез ёзди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *У бир варақ қоғозга тажрибанинг формуласини шоша-пиша ёзиб кўрсатди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Дафтар, китоб ва ш. к. ни ташкил этувчи олд-орқа саҳифадан иборат ҳар бир қат, бўлак. *Ўз каравотида ёнбошлаб олиб, китоб ўқиётган Зулайҳо варақларни шитирлатиб очаётганида, унга қараб-қараб қўяр, аммо индамасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Аҳмад варақнинг учини буклаб, журнални ёпди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Машҳур хаттотлар катта пуллар эвазига кўчирган, ҳар бир варағига нафис безаклар ишланган бу қўлёзма китобларнинг ҳар бири бир неча минг динор туришини Бобурнинг ёнида турган Қосимбек ҳам билар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *кўчма* Ўтмиш ҳаёт, тарихнинг муайян даврлари, қисмларидан ҳар бири, саҳифаси. *Узилмасин замоннинг риштаси дея, Асрларнинг ораси қолмасин деб бўш, Емасин деб тарихнинг варағин куя, Қулликка эрк тилаги кериб турди тўш.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

Ўн варақ ўтади *шв.* Ўн чандон ўтади, ортиқ (қиёслашда маънони, фикрни кучайтиради). *Сизнинг шеригингиз Файзи дастурхончи бўлса, сиздан ўн варақ ўтади.* Ҳ. Шамс, Душман.

ВАРАҚА [*а.* ورقه – барг, япроқ; қоғоз, ҳужжат] **1** Муҳим бир гап, матн босилган ва оммага тарқатиш учун мўлжалланган қоғоз; ижтимоий-сиёсий ташвиқот воситаларидан бири. *Ташвиқот варақаси.* ▬ *Раиса шу атрофдаги қишлоқларга бориб, аҳоли ўртасида варақалар тарқатар, душман ҳақида маълумотлар олиб қайтарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Маълум бир нарсалар ҳақида маълумот ёзиш учун белгиланган расмий қоғоз, бланка. *Касаллик варақаси. Мукофот варақаси.* ▬ [*Отахон*] *Тортмадан рўйхат варақасини олди.* Газетадан. *Кадрлар бўлимидан шахсий варақангизни олдирдим.* «Ёшлик».

ВАРАҚ-ВАРАҚ I Жуда кўп варақлардан иборат бўлган, вараги кўп. *Варақ-варақ қоғоз.* ▬ *Варақ-варақ хат ёзганлар гапни қаёқдан топаркин-а?* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ВАРАҚ-ВАРАҚ II *айн.* **жарақ-жарақ**. *Пул десанг – варақ-варақ, тилла десанг – хумлари тўла.* Ойбек, Болалик.

ВАРАҚ-ВАРАҚ III *тақл. с.* Қайнаётган ёки оқаётган суюқлик товуши ҳақида. *Қумғонни варақ-варақ қайнатиб, аччиқ-аччиқ чой дамлаб берарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ВАРАҚИ Юпқа ёйилган варақ-варақ ёғли хамир ичига қийма солиб, ёғда пиширилган таом; сомсанинг бир тури. *Офтоб ойим варақи пиширишдан бу кунги меҳмоннинг унча-мунча киши бўлмаганлигини билди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Патнусларда, тоғораларда.. қовурма чучвара, варақи, қатлама ва бошқа ҳар нав мева-чевалар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВАРАҚЛАМОҚ I **1** Китоб, дафтар ва ш. к. нинг варақларини бирма-бир очмоқ. *Журнални варақламоқ. Альбомни варақламоқ.* ▬ *Ботирали қизнинг дафтарларини чироққа яқинроқ тутиб, бирма-бир варақлаб кўрди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Тарих, ҳаёт варақларини хаёлдан (назардан) ўтказмоқ. *Аста варақлайман ўтган кунларни..* Рауф Парфи.

ВАРАҚЛАМОҚ II Варақ-варақ, бақир-буқир овоз чиқармоқ (қайнаётган ёки оқаётган суюқлик ҳақида). *Ариқда сув варақлаб оқаётир.* ▬ *Эргашев пулемётидан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув самовардагидек варақлаб қайнаб кетди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

ВАРАҚЛИ Варақлари бор, маълум миқдордаги варақдан иборат бўлган. *Юз варақли китоб. Ўттиз варақли қўлёзма.*

ВАРАҚЧИ *эск.* Қуръон оят ва сураларини ёддан билмайдиган, фақат китобга қараб ўқийдиган чаламуллаларни англатади. *Мулланинг ёмони – варақчи, одамнинг ёмони – қароқчи.* Мақол.

ВАРВАР [*юн.* barbaros – Шимолий Африкадаги қабилалардан бири] **1** *тар.* Қадимги юнонларда ва римликлар назарида ҳар қандай чет эллик киши, бошқа эл одами.

2 *кўчма* Ваҳший, қолоқ, маданиятсиз.

ВАРВАРАК *айн.* **варрак**. *Чучмомали тепанинг кўм-кўк бошида Бир тўда шўх болалар – тўзимсиз юрак, Кулгисидан осмоннинг жоми жаранглар, Тентак шамол йўлини пойлар варварак.* Ғ. Ғулом.

ВАРВАРИЗМЛАР [*юн.* barbarismos – «келгинди» сўзидан] Она тилига ўзлашмаган, унинг меъёрларига хос бўлмаган, ўзга тил ҳодисаси сифатида қўлланадиган сўз ва иборалар. *Комедия персонажлари нутқида учрайдиган варваризмларни қайси тилга алоқадорлигига кўра тўрт группага ажратиш мумкин..* «ЎТА».

ВАРЗИШ [*ф.* ورزش – машқ, кўникма]. *эск.* Уста, уддасидан чиқадиган. *Қўлларим жазм этса, саранжом ҳар иш, Ҳар қандай жумбоқни ечишга варзиш.* Миртемир.

Варзиш етказган Тажрибали, моҳир. -*Ҳар қанча варзиш етказган ғассол бўлса ҳам, бир ўликни шунчалик ювар-да, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ВАРИАНТ [*лот.* variantis – ўзгарувчан] Лойиҳа, режа, илмий, бадиий, адабий асар, машина ва ш. к. нинг бошқача ишланган тури, бошқа хил ишланган нусхаси. *Икки вариантда тайёрланган лойиҳа.* ▬ *“Алпомиш” достонининг Фозил шоирдан ёзиб олган варианти. Албатта, ўзи эмас, бу қайта ишланган варианти..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ВАРИЛЛАБ 1 «Вар-вар» деган ва шунга яқин давомли товуш чиқариб. *Тракторлар чуриллаб-вариллаб, ёввойи жийда, чангал.. дўлана сингари бута ва майда дарахтларни таг-томири билан қўпориб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Саид ва-*

риллаб айланиб турган кучли вентилятор ёнига келиб, кўкрагини тутди. Й. Муқимов, Оловли соҳиллар.

2 Тез ва кучли, равон ҳаракатланиб. *Кийимларини ечиб, вариллаб оқаётган крандан ювинаркан.. молбоқар Эргаш ака унинг ёнига келди.* Р. Файзий, Раҳмат, она қизим.

ВАРИОМЕТР [*лот.* varia – ҳар хил + *юн.* metron – ўлчов] **1** Самолётнинг баландлашиш ва пастлашиш тезлигини аниқлайдиган, учишнинг горизонталлигини кўрсатадиган назорат-ўлчаш асбоби.

2 Горизонтал йўналишдаги эркин тушиш тезланиши ва оғирлик кучи потенциалига тенг сирт эгрилиги ўлчанадиган асбоб.

3 Магнит майдонининг вақт бўйича ўзгариши ўлчанадиган асбоб.

4 Икки индуктивлик ғалтагининг вазиятини механик ўзгартириб, ўзаро индуктивликни текис ўзгартирадиган асбоб.

ВАРРАК Бир тахта юпқа қоғозга ёки матога қамиш ёки савағич чўпларини белгили тартибда қўйиб, елимлаб тайёрланадиган ва ипга улаб, шамолда учириладиган ўйинчоқ; варварак. *Варрак учирмоқ.* ■ *Шамол келмас, кўтарилмас дока варрагим, Дардаракдай типирчилар, тошар юрагим.* Ғ. Ғулом. *Бир вақтлар у ўша том устида варрак учирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ВАРРАНТ [*ингл.* varrant – ваколат, вакиллик ҳуқуқи] **1** Маълум муддат ёки чекланмаган муддат давомида белгиланган нархда қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома.

2 Товар омборга сақлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

ВАРТА [*а.* ورطه – оғир, қийин аҳвол; ҳалокат; кўнгилсизлик] Ҳалокатли, жуда ёмон ҳолат, аҳвол. *..Офтоб ойим учун куёвинигина эмас, ҳатто эрининг ҳам бу вартага тушмоғи чидай оларлик бир ҳол эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ВАРЬЕТЕ [*фр.* variete – хилма-хил, ҳар хил] Томошаларида рақс, мусиқа, эстрада ва цирк санъатининг турли жанрлари қўшилиб кетадиган, асосан комедия хусусиятига эга бўлган театр тури.

ВАСВАСА [*а.* وسوسه – тўғри йўлдан оздириш; хавф-хатар, хавотир] Одамда ғайритабиий хаёллар, ғоялар пайдо бўлиши, фикрлаш ва фараз қилиш фаолиятининг бузилиши, шундай руҳий ҳолат. *Уруш васвасаси.* ■ *Ғуломжон севги васвасасига учганини, шаънига ярашмаган қилиқ қилганини энди англади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Одам васвасага тушса, ёмон бўларкан.* «Ёшлик».

2 Кишини йўлдан оздирадиган гап, хатти-ҳаракат, иғво ва ш. к. [*Юсуфбек ҳожи Отабекка:*] *Қайин отангдан, мени қувлади, деб кўнглинг олинмасин, чунки бу бечора ҳам бир шайтоннинг васвасаси билан бу хатога тушган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эй улуғ шоҳ, бу йўлдан қайт, шайтоннинг васвасасига учма, кейин пушаймон бўлиб юрма..* «Олтин бешик».

3 Ваҳимали, ғулғулага солувчи ўй-фикр, хаёллар, шундай ўй-фикр, хаёлли ҳолат. *Дилингиздаги васвасаларни ҳайданг..* К. Яшин, Ҳамза. *Доимо умидим бардам бўлса ҳам, Баъзан васвасалар босар дилимни.* Ғ. Ғулом.

4 *кам қўлл. айн.* **васвос**. *Нега васваса дейсан мени, Берди?..* И. Раҳим, Ихлос.

ВАСВАСАЛИ Васваса ҳолатли, васваса ҳолатдаги. *У чинакам, ҳаммавақт бу хотиннинг ёнида ўтириб, у билан бир хонада ётиб боришга мажбур бўлса ҳам, унга қўл узатиш деган васвасали фикр билан доимо курашиб келарди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ВАСВОС [*а.* وسواس – йўлдан оздирувчи, васваса қилувчи] Бошига савдо тушиб ёки бирор нарсага ортиқ даражада берилиб, эс-ҳушидан озган; васвасага тушган, савдойи. *Васвос одам.* ■ [*Бўри-дев*] *Ғамгин қиёфада қайтиб келиб, Ҳодиқул боя ўтирган ерга тикилиб қолди. Кексароқ бир деҳқон: -Васвос бўлиб қолибди, қариндошингизми? – деди Бўри-девга.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Васвос дардига йўлиққан ҳокимдон ҳар нарсани кутмоқ мумкин.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Бекам, васвос бўлиб қолибсиз! ..бир оз дадил бўлинг! Ваҳима қилаверманг..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ВАСИЙ [*а.* وصی – ҳомий; васиятни бажарувчи] Вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик қилишни ва уларга мерос қолган мол-мулкка (болалар вояга етгунча) қараб туришни ўз устига олган (васият қилинган) шахс; маънавий ота. *..ота-оналар ва васийлар розилигисиз никоҳ тузиш мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳам бекор қилинди.* Газетадан.

ВАСИЙЛИК Вояга етмаган болаларнинг, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ

ҳамда манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, ҳимоя қилиниш ҳолати. *Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларидан четлаштирилган шахслар болаларни тарбияларига ололмайдилар.* Газетадан.

ВАСИЛА [*а.* وسيله – восита; баҳона] *эск.* **1** Бирор ишни амалга ошириш учун йўл, баҳона, сабаб. *Маъсумани эзарга бу бир васила эрди, Дин исмидан қилинган найрангу ҳийла эрди.* Ғ. Ғулом.

2 Васила (хотин-қизлар исми).

ВАСИЯТ [*а.* وصيّت – ўлим олдидан айтиб қолдириладиган гаплар, ўлим олдидаги охирги сўз] Марҳумнинг ўз яқинларига айтиб ёки ёзиб қолдирган топшириғи, истаги, насиҳати. *Ўқиш.. Уни ўзим жондан истаганим каби, отамнинг ҳам охирги нафасида менга қилган бирдан-бир васияти шу эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *..даданг фронтдан ёзган охирги хатида «Зулайҳо катта бўлса, менинг ишимни охирига етказсин», деб васият қилганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳадича хола ўлимидан олдин уй-жойларини набираси Эргашга васият қилиб қолдирди.* Газетадан.

ВАСИЯТНОМА [васият + нома] Ёзма васият; муайян шахснинг (васиятчининг), у вафот қилган тақдирда, ўзига қарашли бўлган мол-мулкнинг тасарруф этилиши бўйича хоҳиш-иродаси баён қилинган ҳужжат. *Васиятнома қолдирмоқ. Васиятномани тасдиқламоқ.* ▬ *Боринги, мингбоши ўлишга яқин унинг Пошшахондан бошқа меросхўри қолмаслиги керак эди. Ё бўлмаса, васиятнома бўйича ҳамма нарса ўшанинг номига ёзиларди..* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Васиятномани кимдир ёзган-у, охирига Тўхтасин ака лотинча имзо қўйган эди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ВАСИҚА [*а.* وثيقه – ҳужжат, шаҳодат] Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида (жумладан, Туркистонда) ер-мулк олди-сотдиси тўғрисида тузилган расмий ҳужжат. *Ўз уйимга ўзим кира олмайман. ..Ўз уйим. Васиқам бор.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Сотувчи ва олувчи ўзаро келишганларидан кейин.. қозихонага бориб, васиқа қилиб, қозикалонга тегишли муҳрни бериб, муҳр бостирганлар.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Шахсий гувоҳнома, ҳужжат. *Маждиддин.. муҳрлар босилган бир тахта қоғоз чиқариб: "Мана бу сизнинг васиқангиз", – деди.* Ойбек, Навоий.

3 *кўчма* Ҳужжат, далил ўрнидаги нарса. *Сайлов бюллетени – бу оддий қоғоз эмас. Бу – меҳнат, ижод, бахт-иқбол васиқаси.* Газетадан. *Ариқлар чалгани ширин мусиқа, баракат – кузакдан дарак – васиқа.* М. Шайхзода.

Васиқаси йўқ Гапида турмайдиган; бетайин, бебурд. *..дийдаси қаттиқ бек ва унинг васиқаси йўқ яқинлари учун масала аён.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Мен Асадни васиқаси йўқроқ, ҳойнаҳой, бу мулоҳазага қўшилмайди, деб ўйлаган эдим..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ВАСИҚАЛИ Эгалик ҳақида тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилган; керакли хат-ҳужжатга, васиқага эга бўлган. *Васиқали жой.* ▬ [*Бобомирза*] *Ёшлигидаёқ отасининг васиқали вориси бўлиб қолди.* И. Раҳим, Тақдир.

ВАСЛ [*а.* وصل – бирикиш; боғланиш; учрашув] *кт.* Ёрга эришув, ёр билан учрашув. *Гар вафо бўлмаса, васл бегумон бўлмас эди.* С. Абдулла. [*Анвар*:] *Ишқ давоси авом ўйлаганча васл эмас – ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сўндирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Васлига етмоқ Висолига эришмоқ; етишмоқ. *Унинг васлига етган йигитнинг армони бўлмаса керак бу дунёда!* К. Яшин, Ҳамза.

ВАССА *бнк.* Оқ тол ғўлаларидан бир томони ясси, иккинчи томони дўнг қилиб тайёрланадиган, иморатнинг тўсинлари устига зич қилиб кўндаланг териладиган калта таёқча; тоқи. *Васса ўрнига орасини очиқ-очиқ қилиб эгри-бугри тараша терилган.. пастаккина қоронғи чойхонада.. самоварчи чойнакка янги чой дамлаб олиб келди.* Ш. Ризо, Қор ёғди – излар босилди. *Қурбон шифтга, вассаларни кўрмай, тикилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ВАССАЖУФТ *бнк.* Тўсинлари устига зич қилиб васса териб қурилган. *Вассажуфт иморат.* ▬ *Эринмай, устунларига нақш солибди, кўчма қироатхонанинг китоблари учун жавон ясабди, шипини вассажуфт қилиб, қадимги бўёқларда безабди.* И. Раҳим, Ҳилола. *Мақбара ёнидаги кўҳна, вассажуфт шифтли масжидда аср намози ўқилди.* Х. Султонов, Бобурийнома.

ВАССАЖУФТЛИ *айн.* **вассажуфт**. *Жамшид вассажуфтли, деворларига қозиқлунги осилган, нимқоронғи ва салқин меҳмон-*

хонани жимгина томоша қиларкан, шунча йўл босиб келиб, уйда қамалиб ўтирганидан норози эди. «Ёшлик».

ВАССАЛ [*лот.* vassalus < vassus – хизматкор] **1** Ўрта асрларда: Ғарбий Европада йирик феодалга ундан ер-сув инъом олгани учун тобе бўлган кичикроқ феодал.

2 Бўйсундирилган, тобе одам ёки давлат. *Вассал давлат.* ▬ *Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Тўрткўл, Шобоз, Нукус шаҳарларидан тортиб то Орол денгизига қадар Россияга ўтган, Хива хонлиги эса оқподшонинг вассалига айлантирилган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ВАССАЛЛИК Қарамлик, қарашлилик. *Аваз тикка кириб, Ферузга қаради. У ўз ўрнида, эгнида яшил мовут тўн, елкаларида генераллик рутбасини билдирувчи нишонлар, кўкрагида оқподшога вассаллик тимсоли – кўк шойи тасма қийшиқ ташланган.* С. Сиёев, Аваз.

ВАССАЛОМ [*а.* والسّلام – бўлгани шу; охири, тамом] **1** *унд. с.* Гап тамом, гап шу, бошқа гап йўқ, бошқа гап бўлиши мумкин эмас. *Бўлган воқеа шуки, мени от опқочди.. Вассалом!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўзингни гаровга қўйиб бўлса ҳам якан топасан, вассалом!* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Шунинг ўзи кифоя; бўлди, тамом. *Орқасидан бир тош юмалатиб юборсанг, вассалом, тош ўз ишини қилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ВАСФ [*а.* وصف – таъриф, мақтов; белги, хислат] *эск. кт.* Таъриф, тавсиф (кўпинча оғзаки тарзда). *Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен.* Бобур. *Шунда менга деди у, эвоҳ, Ишқ васфига топилмас сўзлар.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

ВАТАН [*а.* وطن – туғилиб ўсган жой, юрт] **1** Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. *Булбул чаманни севар, одам – ватанни.* Мақол. ▬ *У* [*Бектемир*] *узоқ ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳаммавақт болаларнинг қийчуви билан тўлган катта оилани.. эсларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Туғилган ватаним – шу Ўзбекистон..* Фозил Йўлдош ўғли.

2 Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. *Она ватан. Улуғ ватан.* ▬ *Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанига, халқига қилган хизмати билан ўлчанади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Тураржой, бошпана, маскан, уй. *Ёши йигирма бешни қоралади. Лекин бошида на бўйрадек ватани бор, на жонида ҳаловати.* С. Сиёев, Аваз. *Тиктепада турадиган ватани йўқ, отасидан қолган чолдевор бузилиб, ёрилиб кетган.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 Ўсимлик ва ш. к. ларнинг асли келиб чиққан ерини билдиради. *Уй лимони – рутагуллилар оиласига мансуб, доим яшил субтропик ўсимлик. Ватани – Хитой, Япония, Шарқий Ҳиндистон.* «Уй-рўзғор энциклопедияси».

Ватан қилмоқ Яшаш жойи қилиб ўрнашмоқ. *Тақдир қилган жойга ватан қиламиз, Ажал етган жойда бир кун ўламиз.* «Юсуф ва Аҳмад». *Андижондан Мирзачўлга келиб, чўлни ватан қилган, ғўзани ўз фарзанди билган Ғанишер Юнусов номини халқимиз бир умр ёдда сақлайди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ВАТАНГАДО [ватан + гадо] Ватандан кечиб, қочиб, ўзга элларда дарбадар юрувчи; қочқин. *Ватангадо бўлгунча, кафангадо бўл.* Мақол. ▬ *Ажаб ҳол! Ҳатто бир сиқим тупроқ ҳам ватангадонинг кўз ёши ўз бағрига сингишини истамайди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Берахм замон ва шўр пешонам мени фарзандларимдан, эл-юртимдан жудо қилиб, ватангадолар кўйига солди..* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ВАТАНГАДОЛИК Ватангадога хос ҳаёт, ҳолат, ватангадо бўлиб яшаш. *Ватангадоликнинг азоби гўр азоби билан тенг экан. Ўн уч йил саргардонликдан кейин, юрагини ҳовучлаб бўлса ҳам, юртига қайтди.* А. Мухтор, Чинор.

ВАТАНДОШ Ватани бир, бир мамлакатда туғилиб ўсган кишилар (бир-бирига нисбатан). *Фурқат чет элларда яшаган йилларида ватани ва ватандошлари билан доимо алоқада бўлди.* "Ватан адабиёти". *Ўйлайманки, бу йўлда бошқа ватандошларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашга шошиладилар.* Газетадан.

ВАТАНЖУДОЛИК Ватандан жудо ҳолатдаги ҳаёт, шахснинг шундай ҳаёт кечириши. *-Оламда ватанжудоликдан ёмон нарса йўқ, Хайриддинжон ака, – деди у хўрсиниб.* Х. Султонов, Бобурийнома.

ВАТАНЛИ Тураржойга, бошпанага эга бўлган; уйли-жойли. *Ватанли бўлмоқ.*

ВАТАНПАРВАР [ватан + *ф.* پرور – ғамхўрлик қилувчи] Ўз ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, ватан манфаатлари

учун жонбозлик кўрсатувчи. *Бу тўрт ватанпарвар хизмат қилаётган взвод қаттиқ жанг кунларидан бирида душманни қувиб чиқариб, қириб ташлаш ҳақида буйруқ олди.* Назармат, Мангу жасорат. С*из ўқиётган афандилар мактаби ватанпарварлар мактаби эмас, ватанфурушлар мактаби.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ВАТАНПАРВАРЛИК Ватанпарварларга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Ватанпарварлик бурчи.* ▬ *Қуйида матбуотимиз учун ғоят муҳим бўлган, лекин негадир панжа орасидан қаралаётган ҳарбий ватанпарварлик мавзуси борасида бир оз сўз юритмоқчимиз.* Газетадан.

ВАТАНФУРУШ [ватан + *ф.* فروش – сотувчи] Ўз ватанига хиёнат қилувчи, ватанини сотувчи. *Ўз юртини империалистларга сотган ватанфуруш хоинларга қарши, ўт (оч)!* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ВАТАНФУРУШЛИК Ватанни сотиш, унга хиёнат қилиш. *Ватанфурушлик уят, ғарлик, ўғирлик уят. Юртни соғиниш уят бўлибдими!..* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ВАТАР [*а.* وتر – мусиқа асбоби тори; камон ипи] *мат.* Айлананинг икки нуқтасини туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси.

ВАТЕРПАС [*голл.* water – сув + pas – ўлчагич] Горизонталликни текшириш ва кичик қиялик бурчакларини ўлчаш учун ишлатиладиган оддий асбоб.

ВАТЕРПОЛИСТ Ватерполо ўйинида қатнашувчи спортчи.

ВАТЕРПОЛО [*ингл.* water – сув + polo – тўп] *қ.* **сув полоси**.

ВАТИН [*нем.* Watte – момиқ пахта] Иссиқ (қишлик) кийимнинг авраси билан астари орасига солинадиган, сийрак тўқилган сермомиқ трикотаж мато.

ВАТМАН [*ингл.* < қоғоз фабрикаси эгаси Ж. Уотмен (Whatman) номидан]: **ватман қоғоз** Чизма чизиш ва расм солиш учун ишлатиладиган юқори навли қалин оқ қоғоз.

ВАТТ [*ингл.* watt < инглиз физиги Жеймс Уатт (Watt) исмидан] Халқаро бирликлар тизимида қувватнинг универсал ўлчов бирлиги (белгиси – Вт). *200 ватт қувватли лазер нури бир ярим миллиметр қалинликдаги титан тахтасини минутига ярим метрдан зиёд тезликда кесади.* «Фан ва турмуш».

ВАТТМЕТР [*ингл.* watt + *юн.* metron – ўлчов] Фаол электр қувватини Вт ларда ўлчайдиган асбоб.

ВАУЧЕР [*ингл.* voucher – тилхат] Ёзма гувоҳнома, кафиллик, кафолат ёки тавсия; товар ёки хизматлар тўловини, кредит беришни, пул олишни ва бошқаларни тасдиқловчи ҳужжат.

ВАФЛИ [*нем.* Waffel < Wabe – асал] Шакар, қаймоқ, тухум қўшиб пишириладиган, усти катак-катак печенье. [*Иноят*] *Патнисдан вафли кувачали мороженоелардан бирини олди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Мўмин онаси берган пулни ҳеч нарсага харж қилмади. Эрталаб мактаб ошхонасидаги вафлидан жуда-жуда егиси келса ҳам олмади.* А. Жўраев. Тошбақалар пойгаси.

ВАФО [*а.* وفا – садоқат; ваъдани бажариш] **1** Ёрга, дўстга, яқин кишиларга садоқат; ўз аҳд-паймонини муқаддас тутиш; сўзда, ваъдада қатъий туриш. *Яхшидан вафо – ёмондан жафо.* Мақол. *Ваъдага вафо – марднинг иши, ваъдасиз – субутсиз киши.* Мақол. ▬ *Аввалда олиб кўнглим чин аҳду вафо бирлан, Охирда жафоларга ҳамхона қилиб кетди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

Вафо қилмоқ 1) содиқ турмоқ, садоқат кўрсатмоқ. *Мен унга Умри тўғрисида билганларимни айтдим, сўзимнинг охирида: -Ўз эрига вафо қилмаган хотиндан вафо кутма, – дедим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) кунига ярамоқ, асқатмоқ. *Не қилайким, дунё вафо қилмади, Вафо эмас, қатра шафқат қилмади.* Ҳ. Шамс. **Ваъдага вафо қилмоқ** Ваъдаси устидан чиқмоқ, ваъдани ўрнига қўймоқ, лафзида турмоқ. *Ваъдага вафо қилмоқ – мардларга хос фазилат.* Ғайратий.

2 Баъзи иш, уй ҳайвонларининг эгасига «садоқат»ига нисбатан қўлланади. *Мақол тўқийдилар мослаб ўзига, Масалан, ит – вафо, дейдилар ҳайҳот.* А. Орипов, Йиллар армони. *От вафоси тўғрисидаги оталар нақли икки рақибнинг от устидаги жангида синалди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ВАФОДОР 1 Ўз аҳд-паймонини муқаддас тутувчи, сўзида, ваъдасида қатъий турувчи; содиқ. *Вафодор ёр. Вафодор дўст.* ▬ *Аниқ билдим: менга кўнгли бор экан, Икки йилдан бери интизор экан, Ҳақиқат, Нигор қиз вафодор экан.* «Нигор ва Замон».

2 *кўчма* Эгасига содиқ (ит, от ва ш.к. ҳақида). *Белгиланган жойда вафодор от пайдо бўлибди.* «Олтин бешик». *Икки тозим эди, она, вафодор, Душман келса, бўлар эди баробар.* «Рустамхон».

ВАФОДОРЛИК Вафодор кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; вафодорларга хос хусусият. *Мендан қолсин элга яхши от: вафодорлик ва мардоналик.* Т. Тўла. *Ҳабибанинг мақсад-муродини билиб олиб, унинг вафодорлигини кўрганимдан кейин, ҳалиги ғазаб яна ҳам кучайди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ВАФОЛИ *айн.* **вафодор**. *Вафоли дўст йўлга солар, Иғвогар дўст пайдан олар.* Мақол. ▬ *Умидим шул эди, вафоли ёрим.* «Ойсулув». *От вафоли бўлади, хотин вафосиз — Бек буни ўз турмушида синаб билган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ВАФОСИЗ Вафоси йўқ, бевафо. *Вафосиз одам. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.* Мақол. ▬ [*Ғуломжон устага*:] *Бу вафосиз дунёда истак ва заруратдан ташқари кўнгил деган нарса ҳам бор экан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Виждонсиз, вафосиз ул она ҳали бу гўдакнинг тирноғига ҳам зор бўлади.* М. Алиев, Шонли авлод.

ВАФОСИЗЛИК Вафосизга хос иш, хислат, хусусият. *Инсон бўлсанг, вафо қил, Вафосизлик — хато, бил.* Мақол. ▬ *Чунки мен ўзимнинг вафосига ишонганим бир йигитдан улуғ вафосизлик кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Машраб вафосизлик тўғрисидаги китобларни ўқиса, эсига ҳамиша Мастура тушади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ВАФОТ [*а.* وفات — ўлим, ажал] Ўлим. *Солиҳ махдум отасининг вафотида йигирма ёшлик талаба эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бугун Гулнор вафотининг саккизинчи куни.* Ойбек, Танланган асарлар.

Вафот этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) Ўлмоқ, оламдан ўтмоқ. *Мирзакаримбойнинг хотини Лутфинисо тўсатдан, қалб хасталигидан бўлса керак, бир кечада вафот этди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммам вафот қилганидан кейин, тоққа кетиб қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ВАХЛИ(К) *с.т. қ.* **вақтли**. *Вой боламей, вахлик келадиган кунинг ҳам бўлар экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Хўжайин, эртага вахлироқ келарман.* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимда.

ВАХТА [*нем.* Wacht — қўриқчилик, қоровуллик хизмати] **1** Кемада посбонлик, навбатчилик.

2 Бирор иш-меҳнат, жараён ҳолати, пости. *Юбилей вахтаси. Тинчлик вахтаси.* ▬ *..атом қуроли билан қуролланишга қарши норозилик вахтаси уюштирилди.* Газетадан. *Меҳнат вахтасида туриб ишлаётган жамоа ўз зиммасига янги мажбурият олди.* Газетадан.

ВАХТЁР [*нем.* Wachter — қоровул] Муассасаларда навбатчи қоровул. *Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда хоналар кам ва тарқоқ бўлгани учун вахтёр ўтирмас, ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб қўйилар* эди. П.Қодиров, Уч илдиз.

ВАШИЛЛАМОҚ «Ваш-ваш» деган (шунга яқин) товуш чиқармоқ. *..ўғлининг «Давотим қани?» деб, у ёқдан-бу ёққа югургани эшитилди, примус вашиллади.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бошқа мурватни бураган эди, нимадир вашиллаб, цемент чангиди.* С.Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

ВАЪДА [*а.* وعده — сўз бериш, ваъда; муддат] Нимадир қилиш-қилмасликка берилган сўз. *Қуруқ ваъда.* ▬ *Ваъда осон, лекин гап ваъдага вафода.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Тўқсонов жўнаётганида, муаллимни алмаштириш тўғрисидаги ваъдаси билан Тожибойни қаттиқ ишонтириб кетган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўрмонжонга, Бўтабойга, Канизакка кўпдан-кўп салом айтди ва "Қўшчинор"га шу ҳафта ичи, яъни ваъдасидан бурунроқ боришини айтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ваъда бермоқ *айн.* **ваъда қилмоқ** 1) *Ғуломжон кечқурун келишга ваъда бериб, Ольга Петровна билан чиқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ваъда олмоқ** Бирор ишнинг, мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида сўз олмоқ. [*Юсуфбек ҳожи Зайнабга:*] *Жуда тўғри гапирдинг, болам, сендан олган ваъдани ундан* [*Кумушдан*] *ҳам оламиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ваъда қилмоқ** 1) бирор ишни, вазифани адо этиш ҳақида мажбурият олмоқ, сўз бермоқ. *Хафа бўлманг, опа, мен уни унутишга ваъда беролмайман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) бирор нарса бериш ҳақида мажбурият олмоқ, сўз бермоқ. *Фотима ваъда қилинган гапни кутар, Элмурод эса, нимадан, қандай бошлашни билмай, мувофиқроқ сўз қидирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ваъдага вафо қилмоқ** *қ.* **вафо**. **Ваъдани бузмоқ** Лафзини ютмоқ, берган сўзидан, ваъдасидан қайтмоқ. **Ваъданинг устидан чиқмоқ** *айн.* **ваъдага вафо қилмоқ** *қ.* **вафо.** *Ваъдамизнинг устидан чиқмасак, ҳамқишлоқларга қайси юз билан қараймиз.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ВАЪДАБОЗ *салб.* Қуруқ ваъдалар бераверадиган. *«Хўп-хўп» деган ибора ваъдабознинг қиёфасини беркитиш учун бир парда экан.* Газетадан.

ВАЪДАБОЗЛИК Ваъда бериб, устидан чиқмаслик, бажармаслик хислати. *Ҳар кунги ваъдабозликдан бир кунги жонбозлик яхши.* Мақол.

ВАЪДАЛАШМОҚ Бир-бирига ваъда бермоқ, бир-бири билан аҳд-паймон қилмоқ, сўзни бир жойга қўймоқ. [*Отабек устага*:] *Туякашлар билан Андижонда бу кунга учрашиш учун ваъдалашган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. Б*у ёққа келишда у Гавҳар билан ёзишиб туришга ваъдалашган, иккови ҳам хатларни почтадан.. оладиган бўлган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ВАЪДАСИЗ Ваъдасида, лафзида турмайдиган; субути йўқ, субутсиз. *Ваъдасиз одам. Ваъдага вафо — марднинг иши, ваъдасиз — субутсиз киши.* Мақол.

ВАЪЗ [*а.* وعظ – панд-насиҳат; насиҳат қилиш] **1** Диний тушунчаларни халққа, қавмга тушунтиришга, тарғиб қилишга қаратилган нутқ; яхшилик ва эзгуликка чақирувчи даъват. *Орадан уч кун ўтиб, намоз жумадан кейин, Абдуваққос эшон ваъз айтибди, ғазотга фатво берибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Маъруза; лекция; нутқ. *Ўз ваъзини тамомлар экан, деди: «Танқид келтирар фойда».* М. Икром, Кўнгил гули. *Халил ота Тўрахоновнинг баландпарвоз ваъзини жимгина ўтириб тинглади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

3 Насиҳатомуз ёки ташвиқий нутқ; панд-насиҳат, ўгит. *Мажлисда озиқ-овқат развёрсткаси ҳақида ваъз айтади-ю, уйида шолини ўрага кўмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Ваъз айтмоқ (*ёки* **ўқимоқ, қилмоқ**) Маъруза қилмоқ, нутқ сўзламоқ; ташвиқ-тарғиб тарзидаги сўзлар айтмоқ. *Ниҳоят, дўппайган икки гўр устида Олимжон ака кўчани тўлдирган халққа қарата ваъз айтди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *У* [*қаландар*] *овозини баланд қўйиб, охират кунидан ваъз айтарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ғиёсхон жиғибийрони чиқиб, унга ваъз ўқишга тушиб кетарди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Биз уни колхоз радиоузелида микрофон ёнида ваъз қилаётганида учратдик.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ВАЪЗ-НАСИҲАТ Ташвиқ-тарғиб, насиҳат тарзидаги сўзлар. *Халқ подшо амалдорларининг: "Мардикорлар фақат фронт орқасидаги ишларнигина бажаради..» деган ваъз-насиҳатларига ишонмас эди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

Ваъз-насиҳат қилмоқ Ваъз, насиҳат тарзидаги сўзларни айтмоқ. *Имом, тўполонда бошидан тушиб, тупроққа қоришган салласини қоқиб-қоқиб, қайтадан ўраркан, ўз қавмига ваъз-насиҳат қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВАЪЗХОН [ваъз + *ф.* خوان – ўқувчи, ўқийдиган] *эск.* Ваъз айтувчи; нотиқ. *Меҳриниса Зоҳиданинг гапларига қотиб қолганди. Уни сира танимади.. Одам деганам шунақа ўзгариб кетадими? Ваъзхон-а, ваъзхон!* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Ваъзхон йигит овозини баланд қўйиб, Боқирғонийдан, Иброҳим Адҳамдан, Румийдан кетма-кет байтлар ўқиб ташлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ВАЪЗХОНЛИК 1 Диний мазмундаги ташвиқий нутқ. *Баҳромбек намозга зўрға улгурди. У имом Шариф Исмоилнинг узундан-узоқ чўзиладиган ваъзхонлигининг ниҳоясини сабрсизлик билан кутди.* «Ёшлик».

2 Амалий, аниқ иш ўрнига ҳадеб нутқ сўзлайвериш, қуруқ гап сотиш, ҳамма ишни оғизда битириш. *Ҳар кунги ваъзхонликдан бир кунги жонбозлик яхши.* Мақол. ▬ *Тарғибот ишларида дабдабабозликка, ваъзхонликка, расмиятчиликка қатъиян барҳам бериш лозим.* Газетадан. *Баъзан маърузалар ҳаёт билан боғланмай, қуруқ ваъзхонликдангина иборат бўлиб қолаётир.* Газетадан.

ВАЪЗЧИ *эск. айн.* **ваъзхон.**

ВАҚ-ВАҚ *тақл. с.* Курбақанинг овози ҳақида.

Вақ-вақ қилмоқ 1) вақирламоқ, вақир-вақир сайрамоқ; 2) *кўчма* маза-бемаза гап қилмоқ, валақламоқ.

ВАҚИЛЛАМОҚ 1 «Вақ-вақ» деган товуш чиқармоқ (қурбақа ҳақида). *Ҳовузда қурбақа вақиллайди, нодон — даврада.* Мақол. ▬ *Олисдаги зовурда ёлғиз бақа аҳён-аҳёнда вақиллаб, шерикларини базмга чорлайди.* «Гулдаста».

2 *кўчма* Бўлар-бўлмас, бемаъни гаплар гапирмоқ; валақламоқ. *Кўп вақиллайверма! Кўриб турибсан-ку, бола эсини таниб олсинчи..* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. -*Бас, кўп*

вақиллама! — деди махдум қўл силтаб. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 «Вақ-вуқ» ва шунга яқин товуш чиқармоқ (оқаётган ёки қайнаётган сув ҳақида). *Гулханнинг олдида қора қумғонлар вақиллаб қайнамоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ВАҚИР-ВАҚИР, вақир-вуқур *тақл. с.* **1** Қурбақанинг тўхтовсиз сайраш овози, шу овозга тақлидни билдиради. *Вақир-вуқур қурбақа, нега афтинг бундақа.*

2 Сувнинг қайнашдаги товушини, шу товушга тақлидни билдиради. *Кўп ўтмай гулхан ёқилди. Қумғонлар вақир-вуқур қайнаб қолишди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ВАҚИРЛАМОҚ *қ.* **вақилламоқ.** *Бу ерда қурбақаларнинг бир маромда вақирлаши билан бирга электр узатувчи симларнинг ғалати чийиллаган товуши ҳам эшитилиб турарди.* Газетадан. *Чол вақирлаб қайнаб турган қумғонга кўк чой солиб дамлади.* С. Аҳмад, Иқбол чироқлари. *Декча бир неча дақиқа вақирлаб қайнади-ю, ўт пасайиши билан яна жимиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мингбоши хотинини жеркиб ташлади: -Уч талоқ қўйиб кетибди-ку, энди дидингдагини топиб берарсан, кўп вақирлайверма!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ВАҚО [*а.* وقايع — воқеалар, ҳодисалар]: **ҳеч вақо** Ҳеч нарса. *Шудгорларга уруғ ташланмаган, ерлар ҳайдалмаган — бари бир экканι ҳеч вақо йўқ.* С. Сиёев, Аваз. *Шерниёз жун қалпоғини кийди-да, ҳеч вақодан хабари бўлмаган Анор томонга кетди.* «Ёшлик». *Лекин ҳозир Солиҳнинг кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, қулоғи ҳеч вақони эшитмасди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ВАҚТ [*а.* وقت — замон, вақт муддати; он; мавсум] **1** Юз бериб турувчи воқеа-ҳодиса, нарсаларнинг асрлар, йиллар, соатлар, минутлар ва ш. к. билан ўлчанадиган давомийлиги, шундай ўлчов белгисига эга бўлган объектив ҳодиса. *Вақт ғоят имиллаб ўтарди. Ҳамма хавотирланиб безовта бўла бошлади.* К. Яшин, Ҳамза. *Лекин вақт ўз ишини қилди — ойни ғарб уфқидан тортиб кириб кетди. Демак, тонг отди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Шу объектив ҳодисанинг минут, соат, кун, йил ва ш. к. билан алмашинувидаги оралиғи, қисми, бўлаги. *Байрамлардагина киядиган, бошқа вақтларда чамадонида авайлаб сақлайдиган оқ сурп кўйлагини кийди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Биз буларнинг ёшида ўқишни билардик. Бўш вақтларни жамоат ишига сарфлардик.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Отабек кейинги вақтларда савдога юришни тарк қилиб қўйгани учун, Ҳасанали ишсиз қолган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Соат, кун, ой, йил ва ш. к. нинг узлуксиз изчил алмашувида бирор мақсад учун белгиланган ёки бирор мақсад учун фойдаланилиши мумкин бўлган муддат оралиғи; фурсат. *Вақтни қўлдан бермоқ. Вақтдан ютмоқ. Вақтдан тўғри фойдаланмоқ. Вақтинг кетди — нақдинг кетди.* Мақол. ▬ *Унинг овозини эшитиб, қўни-қўшнилар йиғила бошлашди. Вақтни бой бериш мумкин эмасди.* К. Яшин, Ҳамза. *..бошингизни икки қилиш учун, албатта, вақт етгандир, деб ўйлайман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Вақт ўтди, биз озчиликмиз.* К. Яшин. Ҳамза. *Вақтингиз бўлса, бирпас гаплашайлик.* С. Аҳмад, Юлдуз.

4 Вақтнинг бирор нарса, иш-машғулот учун белгиланган, ажратилган бўлаги; муддат. *Масалани тўғри ечди-ю, оққа кўчираётганида, вақти тугаб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Танаффус вақтида ҳамма мукофотланганларни, мукофотланганлар эса бир-бирларини табриклаб, зал ва фойелар ғовур бўлиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Суҳбатимиз шу ерга етганда.. соқчи кириб, вақтларинг тугади, дея огоҳлантириб қўйди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

5 Объектив ўтувчи вақтнинг маълум ижтимоий ҳодиса, ҳолатлар билан боғлиқ, улар билан кечган бўлаги; замон, давр. *Қулдорлик вақтида. Мўғуллар ҳукмронлиги вақтида.* ▬ *Чор ҳукумат вақтидаги қуллигингни ўйласанг.* Ҳамза.

6 Объектив тарзда кечувчи замон, даврнинг, киши ҳаётининг маълум, аниқ бир бўлаги, нуқтаси, оралиғи. *Вақт кеч бўлиб қолди. Болалик вақти. Ёшлик вақти. Ёз вақти. Намоз вақти.* ▬ *Эрталаб Қўқондан чиқса, аср вақтларида Марғилонга кирадир..* А. Қодирий Ўтган кунлар. *Вақт пешиндан ўтган, кўк юзида қуёш чарақлаб турарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *..қизлик вақтида Нури уларнинг кулбасига жуда оз чиқар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 *флс.* Борлиқнинг, макон каби, объектив реал шакли, материянинг яшаш шакллари-

дан бири. *Нисбийлик назарияси – материя мавжуд бўладиган фазо ва вақт назариясидир.* «Фан ва турмуш».

Айни вақт(да) 1) шу вақтда, ҳозир(да), ҳозирнинг ўзида. *Айни вақтда концерт давом этяпти*; 2) шу билан бирга. *Журналистика шу қадар оммавий, айни вақтда, шу қадар ёқимли ишки, шу касбнинг соҳиблари доимо юртнинг фикри-зикрида яшайдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *У биров билан шахмат ўйнар ва, айни вақтда, йигирмага яқин одамни оғзига қаратиб, кулдириб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон. **Аксар вақт** Кўпинча. *Аваз.. ёзда.. боғ-ҳовлига чиқиб кетар, кўлларга бориб, балиқ овлар, аксар вақти ижод билан банд бўлар эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Баъзи вақт** Баъзи-баъзида, баъзан. *Баъзи вақт шуларни ўйлаб қоламан.* **Беш вақт намоз** Кунига беш марта ўқиладиган намоз (фарзлардан бири). *Беш вақт намозни канда қилмасдан ўқийди, ихлос билан рўза тутади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бир вақт** 1) *айн.* **бир вақтлар.** *Унинг ўзи бир вақт Рустамни яхши кўрарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) ўйламаган, хаёлга келмаган, билмаган бир вақтда. *Бир вақт эшикдан икки ўспирин кириб келди.* «Гулдаста». *Бир вақт мундай қараса, уни чақираётган Оқила буви эмас, жигарранг пальтоли чиройли қиз экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бир вақт Мажид қулоғи тепасида Файзи отанинг овозини эшитиб, бошини кўтарди.* «Гулдаста». **Бир вақтлар** Ўтган вақтларда, илгари (лари). *Бир вақтлар эркак зотини телба қилишга қодир бўлган бу оҳу кўзларига, ҳамон бичими бузилмаган қадди-қоматига тикилганча, миқ этмай ўтираверди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бир вақтлар жўр бўлиб ўтли ёшликка, Юрардим ҳеч сўнмас тилагим билан.* А.Орипов, Йиллар армони. **Бир вақти келиб** *айн.* **вақти келиб.** *Бу қишлоқда ўсадиган болалар бир вақти келиб, эҳтимол, бизнинг кўп ишларимиздан кулишар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Вақти келиб** Вақти етганда, тақозо вақти етиб (етганда). *Вақти келиб, бу одамга нима учун «инобатлик» сифати берилгани кишиларнинг эсидан чиқиб кетади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Шундай янги хил ўсимликларни яратиш мумкинки, улар, вақти келиб, овқат хилларини кўпайтиради.* Газетадан.

ВАҚТБАЙ Вақтга қараб тўланадиган, белгиланадиган. *Вақтбай иш ҳақи.*

ВАҚТ-БЕВАҚТ Маълум (тайин), номаълум (нотайин) вақт(да); белгили ёки белгисиз вақт(да); белгили бўлмаган вақтда; ҳар замон-ҳар замон(да). *Менинг уйим – сизнинг уйингиз. Вақт-бевақт келиб туринг.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кампир мен туғилганимда, киндигимни кесиб, энагалик қилган экан, шу боис ўз онамдай кўриб, вақт-бевақт ҳолидан хабар олиб турар эдим.* «Ёшлик». *У энди вақт-бевақт кирадиган бўлиб қолди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ВАҚТ-ВАҚТ: вақти-вақти билан Баъзи-баъзида, вақти-вақти келиб, ора-сира, ўқтин-ўқтин. *Кўзга чалинмаслик учун, мен вақти-вақти билан Тошкентдан чиқиб кетар.. эдим.* Мирҳодиев, Унутилмас лаҳзалар. *У мусиқани ва ашулани ҳам севар.. вақти-вақти билан бировга эшиттирмай ашула айтар экан.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ВАҚТИДА 1 «Вақт» сўзининг ўрин-пайт келишик шакли. *Ишга бораётган вақтида. Ухлаб ётган вақтида.*

2 Белгили, ўз, қонуний, зарур вақтида. *Бевақт айтилган азондан вақтида узилган хазон яхши.* «Қанотли сўзлар». *Яхшиямки, фаросатли Табибий вақтида этагини тортиб қолди. Йўқса, Аваз ирғиб турар, «Бас!» деб қичқирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хайриятки, шулар бор экан, кўзимни вақтида очиб қўйишди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ВАҚТИНЧА Доимий бўлмаган (доимий эмас), маълум вақт доирасида амал қиладиган, амалиёти маълум вақт билан чегараланган. *Бир қарасанг, ҳамма нарса бор. Яна бир қарасанг, ҳеч нарса йўқдай. Бари вақтинча..* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳозир-чи? У киши вақтинча директорми?* «Муштум». *Шундай қилиб, вақтинча бўлса-да, бошпана топилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ВАҚТИНЧАЛИК *айн.* **вақтинча**. *Лекин бу вазият вақтинчалик эсган кўклам шамолига ўхшар эди.* Ш. Холмирзаев, Шудринг тушган бедазор. *Сизга.. Давид ҳам вақтинчалик керак, ишингиз битиб, эшагингиз лойдан ўтгунча даркор бўлса керак.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ВАҚТИХУШЛИК Кўтаринки кайфиятли ҳолат; хурсандчилик. *Одамлар қандайдир вақтихушлик билан қизиқиб, Хуррамга қарашди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Ҳамманг ҳам шундай ўйлаб, Вақтихушлик, ўйин бўлсин.* «Баҳром ва Гуландом».

Вақтихушлик қилмоқ Яхши кайфиятли, хурсанд ҳолатни кечирмоқ, хурсандчилик қилмоқ. *Улар анча маҳалгача коллектор ёқасидаги чайлада вақтихушлик қилиб ўтирдилар.* Газетадан.

ВАҚТИЧОҒЛИК *айн.* **вақтихушлик.** *Тақдир ҳамиша унинг вақтичоғлигининг ғамини еб юргандай эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Жангчилар бу кунни ўйин-кулги, вақтичоғлик билан ўтказдилар.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ВАҚТЛИ 1 *айн.* **вақтинчалик.** *Ер ислоҳоти — вақтли кампания.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шундай қилиб, вақтли маконни ташлаб, шаҳарга келдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Одатдагидан, белгили вақтдан олдин; эрта, барвақт. *Вақтли келинг. Болалар вақтли ётиб ухлашди.* ▬ *-Эсизгина, — дедим ўзўзимга, — вақтлироқ уйланган эканман.* «Гулдаста». *Жума куни эрталаб дўконни вақтли очдим.* «Гулдаста».

Вақтли матбуот Вақти-вақти билан, белгили муддатларда босиб чиқариладиган, нашр этиладиган газета ва журналлар.

ВАҚТСИЗ *кам қўлл. қ.* **бевақт**. *-Вақтсиз сизни бетинч қилганимиз учун кечирасиз, — деди Зуҳуров.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Вақтсиз тугалди бебаҳо умринг.* Ғайратий.

ВАҚТ(И)-СОАТИ Бирор иш, воқеа ва ш. к. нинг юз беришига имкон берадиган пайт, амалга ошиш пайти; фурсат. *Билмадим, биров заҳарлаганми, ҳайтовур, вақтисоати етган экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Вақти-соати келур, Самарқанд орзусига ҳам эришурсиз.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳа, майли, бунинг ҳам вақт-соати келиб қолар.* К. Яшин, Ҳамза.

ВАҚФ I [*а.* وقف — хайрия мақсадларида васият қилинган мулк, вақфий мулк] *тар.* **1** Мулкдор шахслар ёки давлат томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриш, аммо ўзини сотмаслик шарти билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк (ер-сув, мактаб, шифохона, уй-жой, дўкон ва ш. к). *Мадрасаи олиянинг уч юз олтмишта вақф дўконидан ижара ҳақига олтинлар оқиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Валихон мадрасада диний таълим олиб, мударрис бўлиб чиққанда, отаси уни сон-саноқсиз вақф мулкларига эга қилишни ният қилганди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ВАҚФ II [*а.* وقف — тик туриш, тўхталиш] **1** Сўзлаш пайтида, Қуръон сураларини ўқиётганда (ҳар бир оят охирида) тўхташ.

2 Мусиқа асарларини ижро этиш пайтидаги тиним, кичик пауза.

ВАҚФНОМА [вақф.. + нома] *тар.* Ер-сув, хўжалик бинолари ва даромад келтирадиган бошқа мулкларни диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун диний муассасалар ҳамда айрим руҳонийлар тасарруфига ихтиёрий суратда ўтказганлик тўғрисидаги ҳужжат.

ВАҚФХЎР [*а.* + *ф.* وقف خور — вақф еювчи] *тар.* Вақф даромадидан фойдаланувчи ёки вақф маблағи ҳисобига яшовчи талаба. *Демак, эллик минг тангали ижара бадалидан.. уч минги барча вақфхўрга ва ўн уч минги бир неча шериклар орасида бўлинган.* С. Айний, Қуллар. *У ҳужраларнинг эгалари вақфхўрлар эмас. Улар юксак оилаларнинг ўғиллари эдилар.* Ойбек, Навоий.

ВАҒИЛЛАМОҚ 1 «Вағ-вағ» деган товуш чиқармоқ, шундай товуш билан гапирмоқ. *Бульдозерлар бири олиб, бири қўйиб вағиллайди. Орқага тисарилади, олдинга интилади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Қаердадир йироқда радиоприёмник вағиллайди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Тешабойнинг доим оғзи гапда, вағиллагани вағиллаган.* Ойбек, Болалик.

2 Тўлиб, куч билан ҳаракат қилмоқ (баъзи табиат ҳодисаларига нисбатан қўлланади). *Печь ёнидаги мўридан вағиллаб олов ва учқунлар чиқа бошлади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ВАҒИР-ВУҒУР *тақл. с.* Ғовур-ғувур ва шунга яқин товуш ҳақида. *Вағир-вуғур қилмоқ. Хонадаги вағир-вуғур босилди.* ▬ *У сўзларни вағир-вуғур такрорлаш билан овора бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Теварагимдаги кишилар орасида вағир-вуғур гап, тўзимсизланиб, улоқнинг бошланишини кутадилар.* А. Қодирий, Улоқда.

ВАҒИРЛАМОҚ *қ.* **вағилламоқ.** Бақириб, шовқин солиб гапирмоқ, вағир-вуғур қилмоқ. *Вағирламанг беҳуда, бу гал навбат бизники.* Ойбек, Болалик.

ВАҲ *унд. с.* Бировни чўчитиш учун тўсатдан, билдирмасдан айтиладиган сўз. *Орқадан келиб «вах» деса, бир чўчиб тушибман.*

ВАҲДАТ [*а.* وحدت — бирлик, яккаю ягоналик]: **ваҳдати вужуд** *флс. дин.* Абадий ягона Аллоҳ бор деб ҳисобловчи таълимот;

пантеизм. *Навоийнинг фалсафий дунёқараши тасаввуфнинг ваҳдати вужуд, яъни борлиқнинг бирлиги таълимотига асосланади.* “ЎТА”. **Ваҳдати мавжуд** *флс. дин.* Аллоҳ билан бирга ягона моддий олам бор деб ҳисобловчи таълимот. *Айтмоқчи, Спиноза ҳам сизга ўхшаган материалист. Уям ваҳдати мавжуд тарафдори.* “Ёшлик”.

ВАҲДОНИЯТ [*а.* وحدانيّت – бирлик, яккалик; яккахудолик, монотеизм] *дин.* Аллоҳнинг якка-ягоналигини таниш ва эътироф этиш (Ислом динининг асосий ғояси).

ВАҲИЙ [*а.* وحى – илоҳий хабар] *дин.* Ислом ақидасига кўра, пайғамбарларга фаришталар орқали Аллоҳ томонидан юборилган буйруқ ёки кўрсатмалар. *-Пайғамбар бўлсанг, худодан нима деб ваҳий келди? – деб сўради ҳоким афандидан.* «Латифалар». *Тенгдошларидан ўйчанлиги ва ювошлиги билан ажралиб турадиган бу болакайга ўн икки ёшида ваҳий келади.* Газетадан. *Овозаларга қараганда, жаноб эшоннинг қаландархонасига кечалари Жаброил осмондан ваҳий олиб келиб турар экан..* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ВАҲИМ [*а.* وهم – хаёл, тасаввур; гумон, шубҳа] **1** Қўрқинч, қўрқув. *Бошида тўсатдан бир ваҳим, қўрқинчли фикр уйғонди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғуломжон кўрдию, шарпа ваҳимини ҳам унутиб, шохларни икки ёнга қайирди-да, орасидан суқилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ваҳимали, қўрқувга солувчи, таҳликали. *Тўғонбек, гарчи вазиятини озгина бўлсин ўзгартирмаган бўлса ҳам, тили кесилиб, ваҳим бир сукутга кетди.* Ойбек, Навоий. *Ҳамма ерда ваҳим тушнинг оғир қаноти.* Ғ. Ғулом.

ВАҲИМА [*а.* واهمه – қўрқув, таҳлика; хаёлот; руҳий безовталик] **1** Ҳис-туйғу ва кайфиятнинг бузилиши; қўрқув босиш, хавфсираш, юракни ғулғула босиши натижасида юзага келадиган руҳий ҳолат, қўрқув ҳолати, руҳий безовталик. *..кичкина дарчадан ваҳима билан мўралаб турган Бекажону Тўлғонойнинг мунгли кўзлари кўринади.* С. Сиёев, Аваз. *Онабиби бундан ҳеч хавотир оладиган нарса топмайди-ю, лекин яна қўли ишга бормайди, кўнглидан ваҳима аримайди.* А. Мухтор, Чинор. *Осмондаги жимир-жимир этиб турган сон-саноқсиз юлдузларга тикилгандагина киши ваҳимани унутарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Серкалар бутун сурувни ўз орқаларидан эргаштириб, худди бўри қувгандай, ваҳима ичида тўппа-тўғри жарликка қараб чопмоқда эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ваҳимани қайд этувчи, ваҳима билдирувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат ва ш. к. *-Яна нима ваҳима? – деди. – Менга ишонмасангиз, мана, Муҳаммад Султон жанобларидан сўранг.. фитначилар бугун кечаси Сўзангарон дарвозасини Бобурга очиб бермоқчи эмишлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳаҳ, ҳали гап шуми? Ваҳимангиз бор бўлсин, одамни қўрқитиб юбордингиз-а.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳали шунга шунча ваҳимами?* «Муштум».

3 Шундай руҳий ҳолатга соладиган нарса, гап, манзара ва ш. к. *Ўрмон қоронғилигининг ваҳимаси.* ▬ *Кечаги ваҳималарни ўз кўзлари билан кўрган шоҳаншоҳлар бир-бирларига сездирмай, кечасининг ўзидаёқ қуён бўлиб қочиб қолган эканлар.* «Эртаклар». *Кўчаларда аскарлар, ҳар ёқдан ғизиллаган ҳарбий машиналар кўп бўлишига қарамай, бу ердан урушнинг қора ваҳимаси оз сезиларди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Кўриниш, тузилиш ҳолати ваҳимали туюлувчи; баҳайбат, салобатли. *Ваҳимаси зўр.* ▬ *Қоронғида ваҳима бўлиб кўринган тоғ унча баланд эмас экан.* С. Кароматов, Олтин қум. *Самолётга етдик. Эҳе, унинг ваҳимасини кўринг.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

5 Ваҳимали гапларни кўп гапирадиган, бўлар-бўлмасга ваҳима қиладиган шахсга нисбатан қўлланади. *Ҳе, ваҳима бўпсан, укам.* С. Анорбоев, Оқсой.

6 *айн* **ваҳимали.** *Бу ваҳима гапларни қаёқдан топасиз-а, бекам.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Ваҳима босмоқ Ваҳима ҳис-туйғуси эгалламоқ. *Ваҳима босди, юрагини қўрқув тешиб, оёғидан мадор кетди.* «Ёшлик». *Уни ваҳима босди, кўз олдидан аллақандай пажмурда гавдалар ўта бошлади.* К. Яшин, Ҳамза. **Ваҳима касали** *с.т.* Ўзини доим таъқиб ёки хавф остида сезишдан иборат руҳий касаллик. **Ваҳима кўтармоқ** Ваҳимага туширувчи иш-ҳаракат, ҳолатни қўзғамоқ. *Пировардида йигитлар похолларга ўт қўйиб, душман тўдаси ичида ваҳима кўтардилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. **Ваҳима солмоқ** Безовта қилувчи, ваҳимали руҳий ҳолат қўзғамоқ. *Аллақаердан тун қушининг юракка ваҳима солувчи ҳорғин ноласи эшитиларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ваҳима тушмоқ** Руҳиятида ваҳима, қўрқув

ҳисси қўзғалмоқ. *Душман сарбозлари рўпараларида қандайдир бир телба.. кимсага кўз ташлашиб, юракларига ваҳима тушди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ваҳима қилмоқ** 1) ваҳима, ҳайрат ҳолатида бўлмоқ; қўрқмоқ. *..қозон тўла этга қараб, «шунча гўштни ким ейди», дегандек ваҳима қилиб ўтиришар.. эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ваҳима қиладиган жойи йўқ. Арзимаган гап* [*деди Ҳожимат*]. С. Аҳмад, Қадрдон далалар; 2) ваҳима қўзғатадиган (ваҳимали) гап-сўз қилмоқ. [*Марасул:*] *Аҳаджон ака, жуда қалтис иш-да.. бир чувингиз чиқса борми, бу ёғингиз — райком, у ёғингиз — прокурор-а!* [*Заргаров:*] *Э, ваҳима қилаверма!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ваҳима қилган Ҳожиматга бир ўқрайди-ю, яна чўкка тушди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Ваҳимага тушмоқ** Ваҳима, қўрқув ҳиссига берилмоқ. *Очил аканинг гапларидан Шермат ака нақ ваҳимага туша бошлади.* А. Ҳайитметов, Шонли авлод. *Ваҳимага тушган қўшин бирдан ўзини орқага ташлади..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Ваҳимаси учмоқ** Ўта даражада ваҳимага тушмоқ, қўрқув, ҳаяжон ва ш. к.дан ҳангу манг бўлмоқ. *Чирманда бўғиқ гумбурлайди. Қўнғироқларнинг жарангидан ваҳиманг учади, гўё чирмандани одам чалмайди, қоронғи кечада мудҳиш жар ёқасида дев чалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВАҲИМАЛАНМОҚ Ваҳимага тушмоқ, таҳлика тортмоқ, қўрқмоқ. *Вали ака ваҳиманиб: -А!! — деб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *«Умр алдоқчи нарса, бирпасда ўтади-кетади» деган гапнинг нечоғли тўғри эканлигини ваҳималанганча ўйлади.* «Ёшлик».

ВАҲИМАЛИ 1 Кишини ваҳимага соладиган; қўрқинчли. *Ваҳимали кўриниш. Ваҳимали товуш.* ▬ *Фронт Бектемирга дастлаб унча ваҳимали кўринмади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳаял ўтмай, ваҳимали гулдураш яйловни ларзага солди.* А. Дилмуродов, Осмоннинг бир парчаси. *Ўнгирнинг тепаси баланд жар. Унинг тагида ғор ҳам бор. Бу ваҳимали жойларга кундузлари ҳам ҳеч ким келмайди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Салобатли, ҳайбатли. *Олис-олисдан ваҳимали кўринган қоялар аста қиёфаларини ўзгартириб, чала-ярим қўрғонларга ўхшаб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Ваҳимани, қўрқинчни ифодаловчи, шундан дарак берувчи. *Омил Нодирнинг бу ваҳимали гапларга ҳам эътибор бермаганлигига ажабланиб турди-да, амакнинг олдида туришини айтиб, чиқиб кетди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Хотин, ранги оппоқ, кўзларини катта-катта очиб, унга ваҳимали қарар ва бошини чайқаб пичирлар эди.* А. Қаҳҳор, Анор.

ВАҲИМАЧИ Ваҳима қилувчи, ваҳима тарқатувчи; лоф уриб, кишилар юрагига ғулғула солувчи. *Ўзи докторлар ҳам ваҳимачи бўлади-да, сал нарсага касалхона..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бир ваҳимачининг қутқуси билан одамлар тўзиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ваҳимачи старшина сизларни роса қўрқитганга ўхшайди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ВАҲМ 1 *айн.* **ваҳима.** *Ўлимнинг ваҳмидан ҳар дам юрак тўлганга йиғлайман.* Ҳамза. *Чолнинг ваҳми, Ҳасан сўфининг ерга ётиб қулоқ солиши Ғуломжонларни ҳайрон қолдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Унинг овозидан қўрқинч аралаш ташвиш, боя ўзи айтганидек, ваҳм аломатини сезган Шерали хохолаб юборди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Бари чопқу олдда, Эркин, не учун ваҳм айладинг..* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Барот полвоннинг хотини уйда ёлғиз; эри ҳам, ўғли ҳам гузарда.. кўчадаги хотинлар чувури, болалар йиғиси юрагига ваҳм соларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *айн.* **ваҳимали.** *Кейинги кунларни.. Анорхон ваҳм ўйлар билан ўтказди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ВАҲМА *с. т.* **1** *айн.* **ваҳима.** *Бу ерда илк бора янграган Темур саси, Чингизийлар бошига солиб қўрқув, ваҳмалар.* А. Орипов. *Нега бу йигитнинг юрагига ваҳма соляпсиз?* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ваҳима касаллигига учраган одам.

ВАҲМАК [*а.+ ф.* وهمک — гумонли, ваҳимали] **1** *шв. айн.* **ваҳимачи**.

2 *зоол.* Куртларнинг танасига тухум қўювчи ҳашарот.

ВАҲМАҚУШ Читтаклар оиласига кирувчи, ранги оқишдан тўқ жигарранг ва қорамтиргача бўлган, бошининг икки ёнида қора йўли бор майда қушча.

ВАҲМКОР *айн.* **ваҳимали 2.** *Бўлса ҳамки ваҳмкор, улкан, Чекинади оч тўда четга.* “Ёшлик”.

ВАҲОЛАНКИ, ваҳолонки [*ф.* وحالآنکه — ҳолбуки] *боғл.* Тенг ҳуқуқли, лекин зид маъноли гапларни боғлаш учун хизмат қилади; ҳолбуки. *Бойваччадан гумоним йўқ деяпсиз,*

ваҳоланки, сизни йўлдан урган ўша. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ВАҲШАТ [*а.* وحشت – ёлғизлик, бегоналик; хавотир; жаҳолат, ваҳшийлик] **1** Кишини даҳшатга соладиган аянчли аҳвол, ўтакетган маданиятсизлик; нодонлик, жаҳолат. *Яшасин мактаб, шогирдлар ўқисин. Эски турмушлар, ваҳшатлар йўқолсин!* Ҳамза. *Ваҳшат билан инсон юзма-юз келди, Даҳшат билан инсоф юзма-юз келди.* Ж. Жабборов.

2 Кишини даҳшатга соладиган ваҳшийлик, йиртқичлик, ёвузлик; ваҳшиёна ва мудҳиш хатти-ҳаракат. *Душман ваҳшатидан эҳтиётланиш учун томда ётган Собирнинг қонсиз юзига ҳам қуёш нури тушгач, у сесканиб уйғонди.* Ҳ. Шамс, Оқпадар. *Иброҳим Дўлдой сарбозлари кенг саҳрода бўрондай чанг кўтариб, қийқириб, ваҳшат билан фарғоналиклар устига от қўйишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Умуман, қўрқувга солувчи ҳолат; даҳшат. *Андижонда юз берган ваҳшатлар хабарини Самарқандга етказиш учун лой сачратиб от чоптириб бораётган Тоҳир энди Қувага яқинлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Ваҳшат солмоқ Даҳшат, қўрқинч солмоқ, шундай ҳолат қўзғатмоқ. *Шоқосимнинг башараси ҳам унинг танига ваҳшат соларди, бу безори бир кун эмас, бир кун шикаст етказишидан чўчирди.* Ойбек, Танланган *асарлар.* **Ваҳшат қилмоқ** Дўқ-пўписа қилмоқ, даҳшат қилмоқ. *-Хўш, тўғрисини айтасанми, йўқми! – деб ваҳшат қилди Бахўрга қўрбоши.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ВАҲШАТЛИ Даҳшатли, қўрқинчли, мудҳиш. *Ваҳшатли товуш. Ваҳшатли манзара.* ▬ *Мен шайтондан минг мартаба ваҳшатли бўлган Олчоқларни кўриб, чидаб турганман аввал.* А. Орипов. *Уруш тугади. Ажал тўпларининг ваҳшатли қаҳқаҳаси тинди.* Газетадан.

ВАҲШИЁНА 1 Ваҳшийларга хос бир йўсинда; ваҳшийларча. *Ваҳшиёна қийнамоқ.* ▬ *Онахоннинг яраси ўнг елкасида, ваҳшиёна урилган пичоқ яраси эди.* А. Мухтор, Опасингиллар. [*Амир*] *Бухоро аркига борган йигирма бир кишини ваҳшиёна ўлдирган.* С. Айний, Қуллар.

2 Ёввойи, жаҳолатпараст кишиларга хос равишда; ёввойиларча, нодонларча. *Қани, менга айтинг-чи, бу ярамас, ваҳшиёна одатлар, қалин олишлар, зўрлаб эрга беришлар қачон барҳам ейди?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ВАҲШИЙ [*а.* وحشى – ёввойи, йиртқич(ларча)] **1** Ибтидоий босқичдаги, маориф, маданиятдан узоқ, жуда ҳам орқада қолган; ёввойи. *Ваҳший халқларда қонхўрликка тамойил зўр бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Шундай шахс, жамоа, халқ ва ш. к. га хос одат, хатти-ҳаракат ва б. *Аваз кўпдан бу ваҳший удумни ўйлаб изтироб чекар, бу забун, меҳнаткаш тўда хусусида бир шеър ёзишни мўлжаллаб қўйган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Булар нега бир-бирларини ҳеч аямай қамчи билан савалашяпти. Шунақаям ваҳший ўйин бўладими?* К. Яшин, Ҳамза.

3 Жониворлар гўшти билан яшовчи, инсонлардан холи тоғ, саҳро ва ш. к. жойларда яшайдиган, қўрқинчли бўлган (жониворлар ҳақида); йиртқич. *Ҳар турли ваҳший жондорларни кўриб, Зевархон ов қилмоқчи бўлди.* "Баҳром ва Гуландом" *Тоғдаги ваҳший жониворлар Муродхонни кўриб, унга ҳамла қилди.* "Муродхон".

4 *кўчма* Шундай жониворларга хос хусусиятли, инсон қиёфаси йўқ, ёвуз. *Оромингни бузди сенинг ҳам фашист деган ваҳший оломон.* А. Орипов. *..падари бузрукворининг ўлимига кўз тикиб, тиш қайраб ўтирган Исфандиёрдек ваҳший шербаччага қамчи кўтариб, Аваз гумроҳлик қилмадими?* С. Сиёев, Аваз.

5 *кўчма* Қўрқинч солувчи, бало-офат келтирувчи, ёввойи. *Қўрқиб қарар ваҳший сувларга ва денгизни айланиб ўтар.* Ш. Раҳмон. *Нусратилла ваҳший кўзларини йилтиратиб, титраб, шивирлаб, ёлворган йиғи товуши билан гапирар эди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

ВАҲШИЙЛАРЧА *айн.* **ваҳшиёна.** *Ҳаж йўлида икки бегуноҳ ўғли билан ваҳшийларча ўлдирилган Хўжа Яҳёнинг тарафдорлари.. косиб ва деҳқонларни қўзғатдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ВАҲШИЙЛАШМОҚ Ваҳшийга хос хусусият, одат касб этмоқ, тус олмоқ. *Чунки улар аламзада! Ваҳшийлашиб кетганлари ҳам шунинг учун.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Бундай ўйин-кулги, танца-панца қилиб келмасак, одам жуда ваҳшийлашиб кетди.* Ф. Мусажон, Ҳури.

ВАҲШИЙЛИК 1 Ваҳший ҳолат. *Шунинг учун.. жаҳолат ва ваҳшийликнинг томирини қирқиб ташлаётибди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ваҳшийларга хос иш, феъл, хатти-ҳаракат. *Бундан ортиқ ваҳшийлик борми? Ҳали бу Иброҳим Султон мингларча бухорийларни ёқади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўзбеклар эрга хиёнатни қон тўкиш, фожиа билан якунлашини қолоқлик, ваҳшийлик деб атарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ВАҲҲОБИЙ Ваҳҳобийлик оқимининг издоши, тарафдори.

ВАҲҲОБИЙЛИК, ваҳҳобизм [*а.* Муҳаммад Абдулваҳҳоб (оқимнинг асосчиси) номидан] Марказий Арабистонда XIX асрда пайдо бўлган, ислом динининг суннийлик йўналиши – ҳанбалия мазҳабидаги ақидапараст оқим (дастлаб Ислом динининг илк даврдаги ҳолатини тиклаш учун курашувчи диний оқим сифатида майдонга чиққан, кейинчалик унинг фаолияти сиёсий, ҳатто террористик тус олган).

ВЕГЕТАРИАНЛИК [*ингл.* vegetarian < *лот.* vegetarius – ўсимликка оид] Гўштли ва балиқдан тайёрланадиган овқатларни тан олмай, фақат ўсимлик овқатлар (мева ва сабзавотлар) билан овқатланиш тарзи.

ВЕГЕТАТИВ [*лот.* vegetativus – ўсимликка оид] *биол.* Ўсимликларнинг озиқланиши, ўсиши ва кўпайиши учун хизмат қилувчи.

Вегетатив аъзолар Ўсимликларнинг ўсиш ва озиқланиш аъзолари (илдиз, поя, барглар). **Вегетатив кўпайиш** Ўсимликларнинг ғайрижинсий йўл билан, яъни қаламча ёки пайванд қилиш каби йўллар билан кўпайиши. **Вегетатив нерв системаси** *физиол.* Нерв системасининг овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, нафас олиш аъзолари фаолиятини, шунингдек, организмда моддалар алмашувини бошқаришда иштирок этувчи қисми. *Раъно Салоҳиддинова одам вегетатив нерв системасининг тузилишини ўрганиш устида қатор тажрибалар ўтказмоқда.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

ВЕГЕТАЦИОН *бот.* Вегетацияга, ўсишга оид.

Вегетацион давр *айн.* **вегетация даври** *қ.* **вегетация**.

ВЕГЕТАЦИЯ [*лот.* vegetatio – уйғониш, жонланиш] *биол.* Ўсимликлардаги ҳаёт жараёнлари (кўкариш, ўсиш, етилиш). *Вегетация даврида ғўза тупида кўп миқдорда шона, гул ва ҳосил тугунчалари пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш».

Вегетация даври 1) метеорологик шароитларга кўра йилнинг ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши мумкин бўлган даври; 2) қишлоқ хўжалиги экинларининг тўлиқ ривожланиш циклини ўтиши учун зарур бўлган давр.

ВЕДАЛАР [*санск.* «веда» – билим] Ҳиндистон адабиётининг энг қадимги, будда дини пайдо бўлишидан олдинги намуналари, диний-бадиий асарлар. *Хунрезлик қил демаган-ку на ведаю на Қуръон.* Э. Воҳидов, Садоқатнома.

ВЕДОМОСТЬ [*р.* ведомый – «таниш, таниқли» сўзидан] **1** Бирор турдаги маълумотлар йиғиндиси; қайднома. Мас., иш ҳақи ведомости. *Ҳалим ака, идора хизматчиларининг ведомостини олиб киринг-чи.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 *эск.* Ахборот, ахборотнома (баъзи даврий нашрларнинг номи).

ВЕЗДЕХОД [*р.* «везде ходить» бирикмасидан – «ҳамма ерда юрувчи» маъносида] Ҳар қандай оғир йўлда, йўлсизликда ҳам юра оладиган автомашина. *Вездеходлар билан вертолётлар яйловларга озиқ-овқат.. етказиб бермоқдалар.* Газетадан.

ВЕЙ *унд. с.* Ҳайронлик, таажжуб, норозилик ҳис-туйғуларини ифодалайди. *Вей, ўзинг кимсан? Хотиниммисан? Мен фронтда қон тўкиб келганман.* С. Аҳмад, Уфқ.

ВЕКСЕЛЬ [*нем.* Wechsel – ўзгариш; алмаштириш] Қонун билан қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти: қарз олувчи томонидан кредиторга берилиб, кредиторга белгиланган муддатдан сўнг қарздордан векселда кўрсатилган пул суммасини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. *Шўринг қурғур саводсиз деҳқонлар бойдан олган юз сўм пуллари бадалига юз йигирма, баъзан юз эллик сўмлик вексель бериб кетардилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *-Шу бас, – деди бойвачча, – буни вексель дейдилар. Муддатида тўлайди!* Ойбек, Танланган асарлар.

ВЕКТОР [*лот.* vector – олиб борувчи; кўчувчи] *мат. физ.* Тўғри чизиқнинг муайян сон қийматига ва йўналишга эга бўлган кесмаси.

ВЕЛОДРОМ [*лот.* velox – тез + *юн.* dromos – югуриш; югуриш жойи] Велосипед машқлари ва мусобақалари ўтказиладиган махсус майдон.

ВЕЛОПОЙГА Велосипедда ўтказиладиган пойга, мусобақа; велосипед пойгаси.

ВЕЛОСИПЕД [*фр.* velocipede < *лот.* velox – тез + pedis – оёқ] Педаллар ёрдамида ҳаракатга келтириладиган икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. *Пойга велосипеди. Велосипед спорти. Велосипед пойгаси. Велосипед минмоқ.* ▬ *Қудрат велосипедда қушдай учиб кетаётиб, Марҳаматнинг гаплари устида ўйлайди.* Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар.

ВЕЛОСИПЕДЧИ Велосипед минувчи; велосипед спорти билан шуғулланувчи.

ВЕЛОСПОРТ, **велосипед спорти** Велосипедда сайр қилиб юриш, велосипед сайёҳлиги ва велосипед пойгасини қамраб олувчи спорт тури.

ВЕЛОТРЕК [*лот.* velox – тез + *ингл.* track – сўқмоқ, йўлка; югуриш йўлкаси] Велопойгалар ўтказиладиган, айланма қия югуриш йўлкаси бўлган спорт иншооти.

ВЕЛЮР [*фр.* velours – духоба < *лот.* villosus – тук билан қопланган, пахмоқ] **1** Буғу, қўй ва б. ҳайвонлар терисидан ошлаб ва хромлаб тайёрланадиган, асосан устки кийим-бош ва пойабзал тикиладиган калта тукли юмшоқ бахмалсимон чарм.

2 Тоза, сифатли жун толаларидан тўқиладиган калта тукли газлама ёки калта ва майин тукли мато (мовутнинг бир тури).

ВЕНАЛАР [*лот.* vena – қон томир] *анат.* Аъзо ва тўқималардан юракка қон олиб келадиган томирлар. *Венадан қон олмоқ. Вена қони.* ▬ *Ҳужайраларда моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган қолдиқ моддалар ва карбонат ангидрид вена капилляр қон томирларига ўтади.* «Одам ва унинг саломатлиги».

ВЕНГЕР 1 Венгриянинг асосий (ерли) аҳолисидан иборат халқ, миллатнинг номи. *Венгер халқи. Венгер миллати. қ.* **венгерлар**.

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли, оид. *Венгер тили.*

ВЕНГЕРЛАР Венгриянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ. *Янги йил куни венгерлар фақат бахт-саодат ҳақида ўйлашади. Бу ерда ғалати бир одат бор..* Газетадан.

ВЕНЕПУНКЦИЯ [*лот.* vena – қон томири + punctio – санчиш; санчиқ] Ташхис (диагноз) қўйиш ёки даволаш мақсадида вена қон томирига нина санчиш.

ВЕНЕРА [В – *катта* < *лот.* Venus, Veneris] **1** Қадимги Рим мифологиясида – севги-муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси.

2 *астр. айн.* **Зуҳра**.

ВЕНЕРИК [*лот.*Veneris – Венерага алоқадор]: **венерик касалликлар**. *айн.* **таносил касалликлари**. *қ.* **таносил**.

ВЕНЕРОЛОГ Венерология мутахассиси, таносил касалликлари врачи.

ВЕНЕРОЛОГИЯ [*лот.* Venus, Veneris + *юн.* logos – таълимот] Клиник тиббиёт соҳаси; таносил касалликларининг юзага келиш ва тарқалиш сабаблари, диагностикаси ва клиник кечишини ўрганади, уларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқади.

ВЕНТИЛЬ [*нем.* Ventil – клапан; жўмрак] **1** Суюқлик, буғ, газ ва ш. к. нинг оқими, чиқишини тўғрилаш, бекитиш, уларни кўпайтириш ва камайтириш учун хизмат қилувчи қурилма; клапан. *Вентиль ишлаб чиқариш.*

2 *мус.* Пуфлаб чалинадиган мис чолғу асбобларида ҳаво чиқувчи қувур йўлларини узунлаштирадиган мослама.

ВЕНТИЛЯТОР [*лот.* ventilator – елпиғич; совурувчи, шамоллатувчи] Ёпиқ бинодаги ҳавони янгилайдиган, ҳавони тозалаб турадиган, машина қисмларини совитадиган шамолпарракли механизм. *Электр вентилятор.* ▬ *Тажрибали пармакаш эди-ю, фалокат босиб, қўли ишлаб турган дизелга кирди-ю, вентилятор парраклари икки бармоғини узиб кетди.* Газетадан.

ВЕНТИЛЯЦИОН Вентиляцияга оид. *Вентиляцион қурилма. Вентиляцион труба, қувур.*

ВЕНТИЛЯЦИЯ [*лот.* ventilatio – совитиш, шамоллатиш, елпиш, совуриш] **1** Турли система ва мосламалар ёрдамида бинолар ҳавосини янгилаш, тозалаш, шамоллатиш. *Турли тешик, очиқ жой, ёриқлар орқали ҳавонинг янгиланишига табиий вентиляция дейилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Бино ҳавосини янгилаш, тозалаш, шамоллатиш учун қурилган мослама ёки мосламалар тизими. *Қурилиш гипсидан архитектура-бинокорлик буюмлари, вентиляция қутилари.. тайёрланади.* «Фан ва турмуш». *Вентиляция системалари, иситиш қозонхонаси.. бир меъёрда ишлашга тахт қилиб қўйилди.* Газетадан.

ВЕРГУЛ [*фр.* virgule – айни тиниш белгиси] *тлш.* Гапда интонацион бўлак ёки синтактик гуруҳларни айирувчи тиниш белгиси (,). *Вергул қўймоқ. Вергул билан ажратмоқ.* ▬ *Ундашни кучли ифодалаш учун ундалманинг олдидан ундовлар қўлланади, ундов билан ундалма орасига вергул қўйилади.* «Она тили» (8–9-синфлар дарслиги).

ВЕРДИКТ [*лот.* vere dictum – тўғри айтилган] Суд маслаҳатчиларининг судланувчини айбдор ёки айбдор эмас деб чиқарган қарори.

ВЕРМИШЕЛЬ [*итал.* vermicelli – чувалчанглар < *лот.* vermiculus – чувалчанг; қурт] Буғдой унидан қорилган хамирдан тайёрланадиган ингичка, узун озиқ-овқат маҳсулоти. *Суюқ ошлар гуруч, оқшоқ.. оқшоқ уни, макарон, вермишель ва ҳоказолардан пиширилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

ВЕРНИСАЖ [*фр.*vernissage – локлаш] Бадиий кўргазманинг тантанали очилиши.

ВЕРНЬЕР [ихтирочи француз олими П. Вернье (P. Vernier) номидан] **1** Узунлик ва бурчакни аниқ ўлчаш учун ишлатиладиган мослама.

2 Радиоприёмник ва бошқа радиоаппаратураларни аниқ созлаш учун мўлжалланган мослама.

ВЕРСИЯ [*лот.* versio – бурилиш, ўзгариш; кўринишини ўзгартириш] **1** Пайдо бўлиши жиҳатидан бир асосга эга бўлган, бироқ сюжет ҳалқасидаги айрим ўринлар, айрим талқинларда фарқланувчи бир асарнинг бир неча нусхаси. *..натижада эпик асарнинг тарқалиши ва яшаш шароитлари.. версия ва вариация, маълум ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг конкрет асарга таъсири каби масалаларни ёритишда ижодий ютуқларни қўлга киритди.* «ЎТА».

2 *ҳуқ.* Тергов ва суд фаолиятида терговчи ёки суднинг воқеа ва фактларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақидаги тахмини.

ВЕРСТАК [*нем.* Werkstätt – устахона] Дурадгорлик, слесарлик ва ш. к. қўл ишлари бажариладиган махсус дастгоҳ. *Ҳасан ўйчанлик билан верстак устида турган электромоторлар корпусига бошини бурди.* Ибохон, Улуғ йўл.

ВЕРТИКАЛ [*лот.* verticalis – осма, тик] **1** *от* Осмон сферасида зенит нуқтаси орқали ўтувчи ҳар қандай катта доира.

2 *от* Текисликка 90^0 бурчак остида ўтказилган тик чизиқ, вертикал чизиқ.

3 *сфт.* Горизонтал текисликка нисбатан тик, осма. *Вертикал чизиқ.*

ВЕРТОЛЁТ [*р.* верт(еться) – айланмоқ + лет(ать) – учмоқ] Тикка учиб чиқиб, ерга тикка қўнадиган ва осмонда муаллақ тура оладиган, парракли, ҳаводан оғир учиш аппарати. *Бирпас ўтмай вертолётнинг мотори гуруллаб, устидаги катта парраклари айлана бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

ВЕРФЬ [*голл.* verf – кемасозлик корхонаси] Бевосита сув ҳавзаси соҳилида жойлашадиган, кемалар ясайдиган ва ремонт қиладиган корхона.

ВЕРШОК [*р.* верхушка > верх + ок] Россияда метрик тизим жорий қилинганига қадар қўлланган ва 4,4 сантиметрга тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги. *Бир газ ўн олти вершок бўлади.* ▬ *Мулла Обиднинг ўз синовича, ғумайнинг томири йигирма, ҳатто йигирма беш вершок чуқурда ётади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ВЕСТЕРН [*ингл.* west – ғарб; ғарбий] 19-асрдаги Шимолий Американинг ғарбий штатларида кечган ҳаёт тарзи мавзуига бағишланган саргузашт фильм.

ВЕСТИБЮЛЬ [*лот.* vestibulum – уйга кираверишдаги майдонча, даҳлиз] Кино, театр, метро ва ш. к. бошқа жамоат иншоотларининг ичкари қисмига кириш жойидаги катта, кенг саҳн, майдон. *Театр вестибюли. Клуб вестибюли. Метро вестибюли. Мактаб вестибюли.* ▬ *..вестибюль деворини тўлдирган узундан-узоқ буйруқ-рўйхатларда Шавкатнинг фамилияси ҳам чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *..узун йўлак, кенг вестибюлдан ўтиб, кўчага чиққанларида, ҳамма ёқ қоп-қоронғи ва совуқ эди.* С. Анорбоев, Меҳр.

ВЕТВРАЧ Ветеринария врачи. *айн.* **ветеринар**. *Бунақа жигарранг «Жигули»дан совхозда етти кишида бор. Қайси бири экан? Бош зоотехникми, ветврачми, ким бўлди?* Газетадан.

ВЕТЕРАН [*лот.* veteranus – кекса, тажрибали; кекса жангчи] *қ.* **фахрий.** *Уруш ветерани. Меҳнат ветеранлари.* ▬ *Ҳар қандай.. қимматли ташаббусларнинг бошида ветеранларнинг доимо бош-қош бўлиб туриши ажойиб анъанага айланиб қолди.* Газетадан.

ВЕТЕРИНАР [*лот.* veterinarius – ветеринария мутахассиси, врачи] Ветеринария

бўйича олий малакали мутахассис; мол доктори. *Ҳозирги замон ветеринарлари фақат касал ҳайвонларни даволабгина қолмай, соғломларини ҳам текшириб туришади, уларни касаллик юқишидан эҳтиёт қилишади, касалга чалинмаслиги учун эмлашади.* «У ким, бу нима?»

ВЕТЕРИНАРИЯ [*лот.* veterenarius – ҳайвонларни боқувчи, парваришловчи; ҳайвонларни даволовчи] Ҳайвонларнинг касалликлари, уларнинг олдини олиш усуллари ҳамда ушбу касалликларни даволаш тўғрисидаги фанлар тизими. *Ўртоғим танишганимиздан буён мол доктори бўламан, деб юрарди. Ҳужжатларини ветеринария техникумига топширди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ВЕТО [*лот.* veto – рухсат бермайман, ман қиламан] *ҳуқ.* **1** Ривожланган давлатларда биронта орган, ташкилот қонуни ёки қарорининг кучга киришини тўхтатиш ёки кучга киришига йўл қўймаслик ҳуқуқи.

2 Бирор қарорнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи бирдамликнинг йўқлиги.

ВЕШАЛКА [*р.* «вешать» сўзидан – илгич] Уст кийимларни илиб қўйишга мўлжалланган буюм, илгич. *Лолахон уни* [*пальтони*] *олиб, уйга кираверишдаги вешалкага илиб қўйди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ВЁРСТКА [*р.* «верстать» сўзидан – саҳифалаш] *полигр.* **1** Босма қолип тайёрлаш жараёни; терилган матн ва унга тегишли бошқа унсурлардан газета, журнал ёки китоб саҳифаларини шакллантириш. *Унинг* [*китобнинг*] *муқоваси, титул варағи.. эътиборсизлик ва дидсизлик билан вёрстка қилинибди.* Газетадан.

2 Тайёр қилинган саҳифа ва ундан олинган нусха. *Вёрсткани ўқимоқ.*

ВЗВОД I [*р.* «взводить» сўзидан – юқори кўтариш] *ҳарб.* Рота, батарея таркибига кирадиган кичикроқ бўлинма. *Танкчилар взводи. Автоматчилар взводи.* ▬ *Элмуроднинг взводи ҳам батальон билан икки ҳафталик дала машқига чиққан эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ВЗВОД II Қуролнинг тепкини кўтаришга имкон берувчи кичикроқ мосламаси.

ВЗНОС [*р.* «взносить», «внести» сўзидан – тўлаш, тўлов] *қ.* **бадал.** *Аъзолик взноси.* ▬ *Кабинетда взнос қабул қиладиган қиз ўтирган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ВИБРАТОР [*лот.* vibrare – тебратмоқ; титратмоқ, қалтиратмоқ] *тех.* Тебранма ҳаракат ҳосил қиладиган асбоб, ускуна.

ВИБРАЦИЯ [*лот.* vibratio – улоқтириш; тебратиш; титраш] *тех.* Қаттиқ жисмларнинг механик тебраниши, силкиниши. *Фойдали вибрация вибраторлар билан ҳосил қилинади ва турли технологик операцияларни бажаришга хизмат қилади.* «Политехника луғати».

ВИБРО- [*лот.* vibrare – титратмоқ, қалтиратмоқ, тебратмоқ] Ўзлашма байналмилал сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тебранишга, вибрацияга алоқадорлигини кўрсатади.

ВИБРОБОЛҒА *техн.* Зарб билан ишлайдиган асбоб.

ВИБРОИЗОЛЯЦИЯ [вибро.. + *фр.* isolation – ажралиш, ажратиш, узиш] Одамлар ва иншоот, машина, асбобларни вибрациянинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш.

ВИБРОМЕТР [вибро.. + *юн.* metron – ўлчов] Тебранувчи жисмларнинг силжишини, турли қурилмалар вибрациясини ўлчайдиган асбоб.

ВИБРОТЎҚМОҚ Зарба ва тебранишлар таъсирида ерга қозиқ, труба қоқадиган, шунингдек, музлаган материалларни юмшатадиган, тупроқни зичлайдиган зарбий вибрацион машина.

ВИБРОҒАЛВИР Вибрация таъсирида ишлайдиган механик ғалвир.

ВИВЕСКА [*р.* «вывесить» сўзидан – осиб, ёпиштириб қўйилган нарса] *қ.* **пешлавҳа**. *Шамол.. китобларни варақлар, осилиб қолган вивескаларни тебратарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *«Чайная № 5» деган вивескага кўзим тушиб, «кўк чой ичиб, бир ҳузур қилай», дедим.* «Муштум».

ВИГОВОР [*р.* «выговорить» сўзидан – танбеҳ бериш] *қ.* **ҳайфсан**. *Виговор бермоқ. Виговор эълон қилмоқ.* ▬ *Ҳакимов қаттиқ виговор билан деканликдан ва кафедра мудирлигидан туширилган, энди фақат лекция ўқиб юрар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ВИДЕО- [*лот.* video – кўряпман] Ўзлашма байналмилал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, сўзнинг тасвирни электрон сигналлар асосида етказиб беришга алоқадорлигини билдиради. *Видеомагнитофон. Видеотелефон.*

ВИДЕО *айн.* **видеомагнитофон**. *Йигитлар видео кўриб ўтиришибди. Қўшниларимиз ви-*

део олишибди. ■ *Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини..* Газетадан.

ВИДЕОАППАРАТУРА [видео.. + аппаратура] Видеотасвирни олиш ва қайта кўрсатишга хизмат килувчи мосламалар мажмуаси.

ВИДЕОБАР [видео.. + бар] Видеотехника билан жиҳозланган кўнгилочар жой. *Унинг бир хонаси видеобар, қолганлари иш юритишга, ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган эди.* Т. Малик, Шайтанат.

ВИДЕОЁЗУВ Овоз ва рангтасвир ёзиб олиш жараёни ва шу жараён маҳсулотининг номи. *Ҳажмий кинематография, бир ангстремга қадар ажратиб олиш қобилиятига эга бўлган микроскопия, рангли видеоёзув ва бошқалар шулар жумласидандир.* «Фан ва турмуш».

ВИДЕОКАНАЛ [видео.. + канал] Телекўрсатувларда видеофильмлар намойиш этиладиган махсус канал. «*Чинор*» *видеоканали..* Газетадан.

ВИДЕОКАССЕТА [видео.. + кассета] Видеотасма жойлаштирилган юпқа қутича. *Айрим хусусий дўконларда, жамоат жойларида безорилик ва бузуқликни ўргатадиган видеокассеталар, 18–19-асрларда Франция ва Россияда урф бўлган фаҳш китоблари сотилмоқда.* Газетадан.

ВИДЕОКУЧАЙТИРГИЧ Телевизион узатгичларда ва телевизорларда тасвир сигналларини кучайтирадиган мослама.

ВИДЕОМАГНИТОФОН [видео.. + магнитофон] Телевизион дастурларни ва умуман воқеа ва ҳодисаларни магнит тасмасига ёзиб олиб, қайта кўрсатадиган ва эшиттирадиган аппарат.

ВИДЕОСАЛОН [видео.. + салон] Видеофильмлар кўрсатишга мослашган хона, жой. *Кейинчалик бу видеосалонда томошабинлар учун бир қанча қулайликлар яратилади.* Газетадан.

ВИДЕОСЕРИАЛ [видео.. + сериал] Телекўрсатувларда узоқ вақт кўрсатишга мўлжалланган кўп серияли видеофильм.

ВИДЕОТАСВИР Видеотехникада намойиш қилишга мўлжалланган воқеа ва ҳодисалар тасвири. *Бугун барча айбни видеотасвирларга қўйиб, тўғри қиляпмизми?* Газетадан.

ВИДЕОТЕКА [видео..+ *юн.* theke – омбор, сақлов жойи] Видеокассета ва видеодисклар тўплами ва улар сақланадиган жой.

ВИДЕОТЕЛЕФОН [видео.. + телефон] Абонентлар бир-бирини кўриб гаплашадиган, шунингдек, расм, фотосурат ва матнлар намойиш қилинадиган алоқа тури.

ВИДЕОТЕХНИКА [видео.. + техника] Турли мақсадларда воқеа ва ҳодисаларни магнит тасмасига ёзиб олиб, қайта намойиш қилишга мўлжалланган техник жиҳозлар мажмуаси. *Оддий видеотехниканинг бугунги ҳаётимизда тутаётган ўрни муҳим бўлиб бормоқда.* Газетадан.

ВИДЕОФИЛЬМ [видео.. + фильм] Видеомагнит тасмасига ёзилган фильм. *Айниқса, шу кунларда томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган «Чархпалак» видеофильмини ўзига хос воқеа деб аташ мумкин.* Газетадан.

ВИДЕОЧИ Видеоаппаратура билан видеофильмлар намойиш қилиш ва турли тадбирларни видеотасвирга тушириб олиш ишлари билан шуғулланувчи шахс. *Улар видеочи таниш акаларининг олдига кетган эдилар. Ҳозир келиб қоладилар.* Газетадан.

ВИДО [*а.* وداع – хайрлашув, кузатув] Сўнгги хайрлашув, айрилиш. *Етмасмиди видо, етмасмиди ғам? Етмасмиди шўрлик онанинг зори..* С. Акбарий.

ВИДОЛАШМОҚ 1 Марҳум билан (ёки ҳаётдан кўз юмаётган шахс ўзгалар билан) абадий хайрлашмоқ. *Жангчилар.. милтиқдан бир йўла ўт очиб, Сариқов билан сўнгги дафъа видолашдилар.* Н. Сафаров, Дон. *Қутидор видолашиб, аравага чиққанида, кўча тарафдан Отабек келаберди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахир келган-кетганга ризолик бериб, видолашиб ётган эмиш. Мен ҳам сўнгги бурчимни адо этиб қўйсаммикан?* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Умуман, кимса ёки нарса билан ундан абадий ажралиш олдидан хайрлашмоқ. *Бек унинг* [*отининг*] *тизгинидан тортиб, синиқ товуш билан: "Кел, жонивор, видолашайлик!" – деди-да, болта сопини камарига суқиб, отнинг бўйнидан икки қўллаб қучоқлаб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Эрали чўнтагидан эскириб кетган хатни олиб очди-да, гўё у билан видолашаётгандек, бошқатдан ўқиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ҳаёт билан видолашмоқ Оламдан ўтмоқ; вафот этмоқ, ўлмоқ. *Эртаси, якшанба куни,*

тонг чоғида шоир ҳаёт билан видолашди. Ойбек, Навоий. *Ичкилик — заҳарли қора илон, унга ружу қилган одам ҳаёт билан видолашиши.. турган гап.* Газетадан.

ВИЖ-ВИЖ I *айн.* **биж-биж.** *..гўристонда-чи, жин ҳам, ажина ҳам, арвоҳ ҳам — ҳаммаси виж-виж эмиш.* А. Мухтор, Опасингиллар.

ВИЖ-ВИЖ II *тақл. с.* Ҳўл ўтиннинг ёниши, ачиган, бижғиган нарсанинг қайнаши ва ш. к. да чиқадиган товуш ҳақида. *Юпқа тери (ўрдакнинг териси) орасида ялтиллаб турган сап-сариқ ёғ оловда куйиб, виж-виж қайнади.* О. Ёқубов, Ларза.

ВИЖДОН [*а.* وجدان — эҳтирос, ҳистуйғу; инсоф, диёнат] Кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳисси, инсонийликнинг асосий белгиларидан бири; диёнат, инсоф. *Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ, ягона заминни асрагансимон.* А. Орипов. *Бу одамгарчиликдан, виждондан эмас. Бу — пастлик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Наҳотки улар ғурур, орият, виждон деган инсонийликнинг улуғ хислатларидан юз ўгиришган бўлса?* Газетадан.

Виждонни ютмоқ Инсоф, диёнатдан ташқари, виждонсизлик билан иш тутмоқ. *Кимки пора берса, у виждонини ютган, поклигини йўқотган бўлади.* Газетадан.

ВИЖДОНАН *рвш.* Виждон билан, виждонли кишига хос тарзда. *Виждонан меҳнат қилмоқ. Ишдаги камчиликларни виждонан очиб ташламоқ.* ▬ *Халқимизнинг энг муҳим маънавий-ахлоқий фазилати ўз иш жойида виждонан ва фидокорона меҳнат қилишдан иборатдир.* Газетадан. *Уларнинг* [*ҳашарчиларнинг*] *кўплари ҳалол, виждонан тер тўкмоқдалар.* Газетадан.

ВИЖДОНИЙ Виждонга оид, виждон тақозо этадиган. *Виждоний азоб. Виждоний вазифа. Виждоний иш.* ▬ [*Элмурод*:] *..ўша қамалда ётганларни тезроқ озод қилишимиз керак. Мана бу бизнинг инсоний ва виждоний бурчимиз, дўстим!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ВИЖДОНЛИ Виждонан иш тутадиган, виждони бор, инсофли, диёнатли. *Соф виждонли кишилар.* ▬ [*Элмурод*] *Гулсум, Давлатёр каби виждонли одамларнинг ҳаётлари ёруғ ва ўзлари чинакам бахтиёр бўлмоқлари учун қандай чоралар бор, деб ўйлайдиган бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..асар одамларни тўғриликка, ҳалол ва виждонли бўлишга ўргатади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ВИЖДОНСИЗ Виждонан иш тутмайдиган; виждони йўқ, диёнатини ютган. *Виждонсиз, вафосиз у она ҳали бу гўдакнинг тирноғига ҳам зор бўлади.* М. Алиев, Шонли авлод. *Отабек.. ҳиссиётини босолмади —* [*Ҳомидни*] *«виждонсиз тўнгиз» деди-да, ихтиёрсиз ўрнидан туриб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ВИЖДОНСИЗЛИК Виждонсиз кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Бирон буюмни сифатсиз ишлаб, аъло навга ҳақ олиш ноинсофлик, виждонсизлик, тўғрироғи, ўғриликнинг бошқа бир тури-ку!* Н. Сафаров, Оловли излар.

ВИЖИЛЛАМОҚ «Виж-виж» деган ва шунга яқин товуш чиқармоқ (*қ.* **виж-виж**). *Ғир-ғир шабада юзни силпайди, Қалдирғочлар вижиллайди.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз. *Гоҳ-гоҳ шамнинг вижиллагани эшитилиб қолади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ВИЖИР-ВИЖИР *тақл. с.* **1** Баъзи қушларнинг сайраганда чиқарадиган товушини, унга тақлидни билдиради. *Атрофдаги овозга гала-гала чуғурчуқларнинг вижир-вижири қўшилади.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Қиш бўйи аллақайси гўр остларида жунжиб чиққан қуш зотлари: чумчуқлар, читтаклар, тўрғайлар, саъвалар ва бошқа аллақанча қуш туркумлари ўз тўплари билан вижир-вижир, чуғур-чуғур сайраб куйлайдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Болаларнинг чуғурлашига нисбатан қўлланади. *Директор болаларнинг вижир-вижирларини эшитиб, қулоғи битди.* «Муштум».

ВИЖИРЛАМОҚ «Вижир-вижир» товуш чиқармоқ, чуғурламоқ. *Қиз борар ишига, унга ёнма-ён Атласпўш қалдирғоч вижирлаб учар.* Х. Расул. *Сўри ёғочида туриб олиб, вижирлаб сайраётган қалдирғоч жимиб қолди.* М. Мансуров, Ёмби.

ВИЗ *тақл. с.* Тез айланувчи ва умуман тез ҳаракат қилувчи нарса ҳосил қиладиган товуш ва унга тақлидни билдиради. *Виз-виз учиб арилар, Гул ўпар шарбат ялаб.* Қ. Муҳаммадий. *Уҳ, тинди тиғларнинг совуқ жаранги, Тинди камон ўқин машъум виз-визи.* О. Ҳакимов.

Виз этмоқ «Виз» деган товуш чиқармоқ. *Тилла қўнғиз виз этиб учди. Ўқ виз этиб ўтиб*

кетди. ▬ [*Асаларилар*] *Кўз илғамас хартумчалари билан шира эмиб оладилар-да, яна виз этганча келиб.. уйларига кириб кетадилар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ВИЗА [*лот.* visum – кўрилган] **1** Бирор хорижий мамлакатга бориш, унда яшаш ва унинг ҳудудидан ўтиш учун тегишли маъмурий идора томонидан паспортга қўйиладиган махсус рухсат белгиси. *Америка президенти Хитой маъмурларига «Озод Осиё» радиостанциясининг мухбирларига ташриф визалари бермаганликлари учун норозилик билдириш ниятида.* Газетадан.

2 Мансабдор шахс томонидан бирор ҳужжатга унинг тўғрилигини тасдиқлаб қўйилган ёки унга ҳуқуқий куч берувчи имзо, белги.

ВИЗВИЗАК Тугма ёки бошқа нарсадан ип ўтказиб, икки қўл бармоқларидан бирига ўрнатиб, икки ёнга тортиш ва бўшатиш билан виз-виз товуш чиқартириб ўйналадиган болалар ўйини. *Шу ондан бошлаб йигитча унинг* [*Мирсалимнинг*] *бармоқларига боғланган визвизак бўлди: истаса – айлантиради, истаса – ёнига солиб қўяди.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

ВИЗИЛДОҚ *с. т.* Қора чигиртка, чирилдоқ. *Далалар визилдоқларнинг музикасини тинглагандай жимжит.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ВИЗИЛЛАМОҚ «Виз-виз» овоз чиқармоқ (тезучар ҳашарот, отилган ўқ, шамол ва ш. к. ҳақида). *Шамол кимга тегажаклик қилишни билмай тургандек, ўзини уларга урди, кийим-бошларини тортқилаб, қулоқлари тагида визиллаб шўхлик қила бошлади.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси. *Тўқай чеккасидан икки ўқ варанглади. Бемўлжал отилган бу ўқлар анча наридан визиллаб ўтди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ВИЗИР [*нем.* Visier < *лот.* visere – кўрмоқ, қарамоқ] **1** Ўқотар қуролларнинг мўлжалга олиш, мўлжалга тўғрилаш мосламаси.

2 Фотоаппаратларда кўриниш (тасвир)ни қидириш, унинг фотоплёнкага сиғадиган қисмини аниқлаш учун хизмат қиладиган асбоб; тасвир қидиргич.

3 Геодезик асбобларда уларни бирон-бир нуқтага йўналтиришга имкон берадиган мослама.

ВИЗИТ [*фр.* visite – ташриф < *лот.* visere – кўрмоқ; ташриф буюрмоқ] Расмий суратда бирор элда, бирор шахс ҳузурида қисқа фурсат бўлиш, ташриф буюриш, ташриф. *Дўстлик визити. Жавоб визити.* ▬ *АҚШ давлат секретарининг Африка масалалари бўйича ёрдамчиси Ч. Крокер расмий визит билан Луандага келди.* Газетадан.

ВИЗИТКА [<*р.* «визитная карточка» (ташриф варақаси) бирикмасидан] Расмий мансабдор шахснинг исми, фамилияси, унвони, тураржойи кўрсатилган, шу шахс томонидан бирон-бир ташриф, учрашув, танишув пайтида бошқаларга бериладиган кичикроқ қалин варақча.

ВИЗУАЛ [*лот.* visualis – кўришга оид] Кўриш мумкин бўлган, кўринадиган.

Визуал кузатиш Бирон-бир воқеа-ҳодисани оддий кўз билан ёки дурбин, телескоп ёрдамида кузатиш, ўрганиш.

ВИКЛЮЧАТЕЛЬ [*р.* «выключить» сўзидан – узувчи] Электр токини узиш ва улаш учун хизмат қиладиган мослама. *Виключатель мен томонда экан, чироқни ёқдим.* П. Қодиров, Эрк.

ВИКОНТ [*фр.* vicomte – вице-граф < *лот.* vicecomes – тарбиячининг ўринбосари] Ғарбий Европа мамлакатларида дворянларнинг граф билан барон оралиғидаги унвони.

ВИКТОРИНА [*лот.* victoria – ғалаба] Билимнинг муайян соҳасига доир саволларга жавоб бериш ўйини. *Адабий викторина. Мусиқавий викторина.* ▬ *Болалар учун концертлар, мароқли эртаклар, викториналар тайёрланган.* Газетадан.

ВИЛКА [*р.* вилка – санчқи] **1** Овқатни санчиб оладиган дастали асбоб; санчқи. *Овқатни вилка билан емоқ.* ▬ *Учинчи қадаҳдан кейин Зокирнинг гўштга санчмоқчи бўлган вилкаси тарелкага санчиладиган, лаблари ясама лабдай қўпол-қўпол қимирлайдиган бўлиб қолди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *тех.* Айри учли ҳар хил деталларнинг номи. *Штепсель вилкаси. Велосипед вилкаси.* ▬ *Ихтирочи стол лампасининг ипини розеткадан чиқариб олиб, ўрнига машинасининг вилкасини тиқди.* «Муштум».

3 *шахм.* Асп (от) ёки пиёданинг айрисимон, бир йўла икки сипоҳга ҳужум қилиш ҳолати.

ВИЛЛА [*лот.* villa – шаҳар ташқарисидаги шинам уй, ҳовли] Шаҳарлар атрофида, хушманзара жойга қурилган катта

боғли ҳовли-жой. *Вилла деганлари ғоятда озода боғ, уч қаватли иморат, мармар ҳовуздан иборат эди.* Т. Малик, Шайтанат.

ВИЛОЯТ [*а.* ولايت – бошқарув; чекка жой, ўлка] **1** *тар.* Мамлакатнинг пойтахтдан йироқдаги чекка ўлкаси. *Бобур мирзонинг орзулари шулким, Мовароуннаҳр яна Улуғбек давридаги каби бирлашса, пойтахт аслига қайтса, ҳамма вилоятлар ҳамжиҳату обод бўлса..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *эск.* Умуман, мамлакат, ўлка, юрт. *Қадимдан ложуворд, лаъл ва бошқа қимматбаҳо тошлари билан машҳур бўлган Бадахшон вилоятида* [*Афғонистонда*] *ҳам геологлар янги конларни аниқладилар.* "Фан ва турмуш". *Ота, Чамбил дерлар вилоятингни..* "Ҳасанхон". *Худди ўша йили.. Шимолий Ҳиндистон ҳокими Акбар тобелигидаги Марказий Ҳиндистон вилоятига элчилар юборади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Сенда кўпдир, ўғлим, ақлу фаросат, Охир сеникидир тахту вилоят.* "Эрали ва Шерали".

3 *эск.* Шаҳардан чекка жой(лар). *Кезиб шаҳру вилоят, кў-бакўйин дарбадар кўрдим.* Увайсий.

4 Мамлакатнинг бир ва ундан ортиқ шаҳарларини ҳам ўз ичига оладиган йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма. *Тошкент вилояти. Навоий вилояти. Қашқадарё вилояти.* ▬ *Андижон вилояти пахтакорлари бу йилги режани муддатидан илгари амалга оширдилар.* Газетадан.

ВИЛТ [*ингл.* wilt – сўлимоқ, қуримоқ] Ғўза, картошка, маккажўхори, кунгабоқар, карам сингари ўсимликларда бактериялар, замбуруғлар, вируслар орқали тарқаладиган касаллик (бу касаллик ўсимликнинг сўлиб қолишига, барглари қовжираб, ҳалок бўлишига олиб келади). *Тўғри, пахтанинг ашаддий офати вилт эди. Ҳозирча олимларимиз унинг пайини қирқдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Салимхон Обидийнинг айтишича, селекцияда ҳозир чирсиллаб турган масала – вилтга қарши кураш.* Мирмуҳсин, Умид.

ВИМПЕЛ [*голл.* wimpel – байроқ] **1** Кеманинг қайси давлатга мансуб эканлигини кўрсатадиган айри учли энсиз байроқ.

2 Меҳнатда намуна кўрсатган бригада ёки айрим кишига бериладиган энсиз ва узун ёки учбурчак байроқча. *Энг яхши тракторчига бериш учун "Меҳнат жасорати" вимпели таъсис этганмиз.* Газетадан.

3 Учиш аппаратидан турли маълумот, хабар, газета ва ш. к. ташлашга мўлжалланган махсус ғилоф ва унга солиб ташланган нарса. *Полвон отряди турган жойни қийинчилик билан топиб, устидан бир неча марта айланиб ўтди-да, кейин пастлаб, вимпел ташлаб учиб кетди. Полвон вимпел ичидаги қоғозни ўқиб..* Ж. Шарипов, Хоразм.

ВИНДИКАЦИЯ [*лот.* vindicatio – ҳимоя, қўриқлаш; даъво, талаб қилиш] *иқт.* Мулк эгасининг ўз мол-мулкини унга қонунсиз эгалик қилаётган шахслардан суд орқали талаб қилиб олиши.

ВИНЕГРЕТ [*фр.* vinaigrette – сиркали салат, қайла] *кул.* Майда тўғралган сабзавотлар, гўшт ёки балиқ, тухумга сирка, мой ва ш. к. қўшиб тайёрланган яхна овқат.

ВИНО [*лот.* winum – узум, ток танаси; айланувчи, ўралувчи] Узум ва мевалар шарбати ёки турпини ачитқилар иштирокида спиртли бижғитиш йўли билан тайёрланадиган ичимлик. *Йўлчи винони ҳидлаб, юзини буриштирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хўжабеков пиёлачага лоларанг вино тўлдириб, жувонга узатди. Ўз пиёласига беш юлдузли коньякдан қуйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ВИНОЧИ Вино тайёрлаш бўйича мутахассис, шу соҳада ишловчи шахс. *Республика виночилари ҳар йили 16,5 миллион декалитр вино материаллари тайёрламоқдалар.* Газетадан.

ВИНОЧИЛИК Узум ва бошқа мевалар шарбатини бижғитиб вино тайёрлаш. *Виночилик саноати.*

ВИНТ [*нем.* Gewinde – қирқма, резьба] **1** Бурама резьбали стержень; маҳкамлаш мосламаси. *Винт кесиш. Винт билан маҳкамлаш. Винт ясайдиган станок.*

2 Кема ёки самолётни ҳаракатга келтирадиган механизмнинг айланувчи ўққа ўрнатилган парраги. *Кема винти. Самолёт винти.*

ВИНТОВКА [*р.* «винт» сўзидан] Стволининг ичида ўқни айланма ҳаракатлантирадиган винтли қирқмалари бўлган милтиқ. *Кичик калибрли винтовка. Автоматик винтовка. Винтовка затвори.*

ВИНТСИМОН Винт шаклидаги, спираль шаклидаги; бурама, айланма. *Винтсимон зинапоя. Винтсимон ҳаракат.* ▬ *Таркибий дейилишининг сабаби, у икки қисмдан – стержень ва унга винтсимон қилиб, спирал*

тарзда ўраладиган тишли пўлат лентадан иборат. «Фан ва турмуш».

ВИНЬЕТКА [*ф.* vignette – узум новдалари ва баргларидан қилинган безак < vigne – узум] Китобнинг, матннинг бошида ёки охирида расм, нақш кўринишида бўлган безак.

ВИОЛОНЧЕЛЬ [*итал.* violoncello – кичик контрабас (violone – контрабас)] Бас-тенор регистрли, катта скрипка шаклидаги тўрт торли, камонли мусиқа асбоби.

ВИРАЖ [*фр.* virage – бурилиш, айланиш] *махс.* **1** Оддий учувчиликда горизонтал текисликда самолётни кескин ёнга оғдириш, 360^0 буриб учиш усули.

2 Юқори тезликда бораётган автомобиль, мотоцикл ва велосипеднинг эгри чизиқ бўйлаб бурилиши.

3 Автодром, велодром ва яхмалакларда нишабли бурилиш жойи.

4 Фотосуратларга ранг беришда ишлатиладиган суюқлик.

ВИРИЛИЗМ [*лот.* virilis – эркакларга хос, алоқадор] Аёлларда эркакларга хос иккиламчи жинсий белгиларнинг мавжудлиги (мас., соқол, мўйловларнинг ўсиши, овознинг дўриллаши ва б.).

ВИРТУОЗ [*итал.* virtuoso – ўз ишининг устаси, талант < *лот.* virtus – жасорат; истеъдод] Ўз ҳунарини мукаммал, санъат даражасида эгаллаган санъаткор (созанда, хонанда ва б.).

ВИРУСЛАР [*лот.* virus – ўсимлик шираси; заҳар] Фақат тирик ҳужайраларда кўпайиб, одам, ҳайвон, ўсимликда юқумли касалликлар қўзғатувчи микроорганизмлар. *Грипп вируси.* ▬ *Вируслар маълум фильтрлардан ўтиб кетадиган бактериялар бўлиб, улар бактериядан кичик бўлади.* З. Орипов, Кўз илғамас дунё. *Вильсон Смитнинг аниқлашича, гриппни бактериялар эмас, балки ниҳоятда майда-майда, кўз илғамас вируслар вужудга келтирар экан.* «Фан ва турмуш».

ВИРУСЛИ Вируслар қўзғайдиган, вируслар келтириб чиқарадиган. *Вирусли касалликлар.* ▬ *Вирусли гепатит – юқумли касаллик бўлиб, унда асосан жигар шикастланади.* «Фан ва турмуш».

ВИРУСОЛОГИЯ [вирус + *юн.* logos – билим, таълимот] Вируслар ва улар тарқатадиган касалликларни ўрганадиган фан. *Вирусология соҳасидаги муваффақиятлар хавфли вирусли касалликларга қарши янги.. воситаларни ишлаб чиқишга имкон берди.* Газетадан.

ВИСИР-ВИСИР *шв.* Пичир-пичир, шивир-шивир. *Улар «Ёқут бошқоронғи, Қодиржондан боласи борга ўхшайди», деган висир-висирни қулоқдан қулоққа ўтказиб юборишди.* А. Абдувалиев, Бизнинг йўлимиз.

ВИСИРЛАМОҚ *шв.* Пичирламоқ, шивирламоқ. *Ҳожи хола, араванинг ғижир-ғижирида биров эшитиб қоладигандай, шипшишини яна ҳам пасайтириб, жувон қулоғига висирлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ВИСКИ [*ингл.* whisky – ҳаёт суви; ароқ] Ўткир (кучли) инглиз ароғи. *..қўярда-қўймай хонасида роппа-роса тўрт соат олиб ўтирди. Эшикни қулфлаб қўйиб, элликтадан виски қуйди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ВИСКОЗА [*лот.* viscosus – ёпишқоқ; қовушоқ] **1** Целлюлозадан махсус йўл билан ишлаб олинадиган ёпишқоқ модда ва ундан тайёрланган сунъий ипак. *Жаҳонда ишлаб чиқариладиган сунъий ва синтетик толаларнинг 75 фоизидан ортиқроғи вискоза толалардир.* «У ким, бу нима?»

2 Шундай толадан тўқилган газлама.

ВИСКОЗИМЕТР Суюқлик ва газларнинг қовушоқлигини аниқлайдиган асбоб.

ВИСКОЗИМЕТРИЯ [вискоза + *юн.* metron – ўлчов] Физиканинг қовушоқликни ўлчаш билан шуғулланадиган бўлими.

ВИСМУТ [*лот.* Bismuthum; *нем.* Wismut < Wissmat – оқ масса] **1** Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қизғиш-кумушранг, оғир, мўрт металл.

2 Шу металл бирикмаларидан тайёрланган дори.

ВИСОЛ [*а.* وصال – боғланиш; севги алоқалари; эришув, етишув] *айн.* **васл.** *Мен биламан, соғингансан, вафоли дилдор, Яқинлашиб келмоқдадир висол кунлари.* Миртемир. *Қул учун озодликдан, ошиқ учун ўз жонони висолидан яхшироқ нарса йўқ.* С. Айний, Дохунда.

ВИСТАВКА [*р.* «выставить» сўзидан – кўрсатиш; кўргазма] *қ.* **кўргазма**. *Илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган виставка жуда катта аҳамиятга эга бўлди.* Газетадан.

ВИТ *тақл. с.* Бедана ва ш. к. қушларнинг овози ҳақида. *Бедананинг «вит» дегани – қочгани.* Мақол.

Вит демоқ *с. т. дағл.* Қочмоқ, енгилмоқ, ўйиндан чиқмоқ. *Қўлидан келмаса, «вит» деб майдонни бўшатиб қўя қолсин-да!* У. Исмоилов, Сайланма.

ВИТАМИН(ЛАР) [*лот.* vita – ҳаёт + amin < ammiac] Инсон ва ҳайвон организмининг одатдаги ҳаётий фаолияти учун зарур моддалар, шундай моддалари бор препарат; дармондори. *Ҳозирги кунда 30 га яқин витамин маълум. Витаминларни соддароқ белгилаш учун лотинча ҳарфлар қўлланади.* «У ким, бу нима?». *Нон маҳсулотлари таркибида оқсил, турли минерал моддалар ва витаминлар бўлиши муҳим аҳамиятга эга.* «Фан ва турмуш».

ВИТАМИНЛИ Таркибида витамин бўлган; витаминга бой. *Витаминли овқат. Витаминли ўсимликлар.* ▬ *Бу йил ўт-ўланларнинг кўп бўлиши кўпроқ витаминли ўт уни тайёрлаш имконини беради.* Газетадан.

ВИТ-ВИТ «Вит» ва шунга яқин товушларни, унга тақлидни билдиради**.** *Ҳар томондан «вит-вит», «чиғи-чиғи» деб сайраган қушларнинг турли қўшиқлари сойнинг нашъасига мос бир музика ҳосил қилган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ВИТРАЖ [*фр.* vitrage < vitre – дераза ойнаси < *лот.* vitrum – шиша] Дераза, эшик ва ш. к. га рангли шиша парчаларини териб ёки ёруғлик ўтказадиган бошқа материаллардан фойдаланиб, нақш, тасвир ишлаш санъати. *Мозаикага яқин турадиган санъат турларидан бири витраж – шишани ҳар хил суратлар билан безаш санъатидир.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиш тарихидан. *Жануб томонида металл витраждан ташқари қуёш нурларини қайтарувчи осма темир-бетон панжаралар ишланган.* Газетадан.

ВИТРИНА [*фр.* vitrine < vitre – дераза ойнаси] Савдо корхоналарида, магазинларда, суратхоналарда моллар, экспонатлар ва ш. к. ларнинг намуналарини қўйиш учун махсус жиҳозланган ойнаванд қути, шкаф, ойна. *Магазин витринаси. Витринага қўйилган мол.* ▬ *Витамин танқислиги эндиликда хавфли эмас; дорихоналарнинг ойнали витриналарига қўйилган турли хил витамин нўхатчалари, эритмалари ва шарбатлари соғлиғимизнинг ишончли дўстларидир.* «У ким, бу нима?». *У одати бўйича дарсхонадан ҳаммадан кейин чиқиб, севимли гўшасига – газета витриналари хиёбонига йўл олди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ВИЦЕ- [*лот.* vice – ўрнига; бамисоли, ўхшаш] Ўзлашма қўшма сўзларнинг «ўринбосар», «ёрдамчи» деган маъноларни англатувчи биринчи таркибий қисми. *Вице-президент.*

ВИЦЕ-АДМИРАЛ [вице.. + адмирал] Адмираллик унвонининг контр-адмиралдан юқори, адмиралдан қуйи даражаси ва шу унвонга эга бўлган киши.

ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ [вице.. + президент] **1** Президент ўринбосари.

2 Баъзи илмий муассасалар (академия, илмий жамият кабилар)да, халқаро ташкилотларда сайлаб қўйиладиган лавозим (мас. Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти. Халқаро Олимпия комитетининг вице-президенти.).

ВИШ *тақл. с.* Чўзиқ «ш» тарзидаги товуш ва унга тақлидни билдиради. *Илон виш этиб, бошини кўтарди.* ▬ *Тахталардан ясалган икки қават сўрида чақалоқ бармоғидай келадиган, сон-саноқсиз ола-була қуртлар шамолдай виш-виш овоз чиқариб, сўнгги баргларни шипирмоқда эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ВИШИЛЛАМОҚ «Виш-виш» товуш чиқармоқ, «виш-виш» қилмоқ. *Паровоз вишиллади. Ўтин вишиллаб тутаётир. Илон вишиллади.* ▬ *Чол қопқоғидан вишиллаб буғ чиқаётган самовар олдига келди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Абдулаҳад.. гоҳ оловга қарайди, гоҳ бурқиган идишларда вишиллаган моддаларни темир асбоб билан айлантиради.* Ойбек, Навоий.

ВИШКА [*р.* вишка – тепалик; минора] **1** Баланд минора шаклидаги иншоот. *Кузатиш вишкаси. Бурғилаш вишкаси. Парашют вишкаси.* ▬ *Ўнг томонда тоғ оралиғидаги нефть қудуқларининг вишкалари кишига шохшаббалари қуйиб кетган дарахтларни эслатади.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

2 *кўчма* Олий жазо – ўлим жазосининг маҳбуслар орасидаги номи. *Бунақа шилта ишни менга илма, начальник.. Бу қилиғингдан вишканинг ҳиди келиб турибди.* Т. Малик, Шайтанат.

ВИҚОР [*а.* وقار – жиддийлик, салобат, улуғворлик] *кт.* **1** Мағрурона ва улуғвор кўриниш; салобат. *Водийдан ўтарди дарёйи азим, Вазмин оқишида салобат, виқор.* С. Абдуқаҳҳор. *Қордай ярқироқ янги салла ўраган*

махдум виқор билан йўталиб, меҳмонхонага кирди. Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Мағрурлик туйғуси, мағрурлик, ғурур. *Қиёфасидан ғолиблик виқори ва мағлуб бўлганга шафқат акс этиб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ойнанинг остида, музей тўрида Шишада туради бир сиқим тупроқ.. Уни кўрганларнинг кўкси тоғ бўлиб, Кўзида тенги йўқ виқор ёнади.* Шуҳрат.

ВИҚОРЛИ Мағрур, улуғвор ҳолатли, мағрурлик ва улуғворлик ифодасига эга. *Фарғона, Қўқон шаҳарларининг виқорли қиёфаси, Самарқанднинг қадимий обидалари ва, ниҳоят, Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг чиройи, улуғворлиги мени мафтун этди.* Газетадан. *Унинг юзи виқорли тус олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Аллақандай таниш башаралар кўз олдига келди: бири виқорли, бошқаси нозли.* С. Анорбоев, Оқсой.

ВКЛЮЧАТЕЛЬ [*р.* «включить» сўзидан – улагич] Электр токини улайдиган асбоб; электр калити. *Анна туриб, девордаги включателни чиқиллатган эди, уч лампали қандил ёғдуси нотинч ва ҳаяжонли юзларга тушди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ВОАЖАБ(О) [*ф.+ а.* واعجبا – жуда қизиқ, ажойиб] *эск. айн.* **ажабо**. .. *бизнинг хотинга қорнингиз орқа умуртқангизга ёпишиб юрса, ёқасиз. Воажаб, воажаб!* Ф. Мусажонов, Сабоқ. *Сураткаш илжайди. Воажаб!* С. Сиёев, Ёруғлик.

ВОБАСТА [*ф.* وابسته – боғлиқ, алоқадор; қарам] *эск. кт.* Бир-бирига боғлиқ, мос, мувофиқ; уйғун. *Муҳаббат ҳуснга вобаста.* ▬ *Аждодларимизнинг асотирий дунёқарашидаги илон тотеми билан вобаста айрим саҳифалар билан танишамиз.* Газетадан. *Бу улкан майдондаги сон-саноқсиз одамлар орасида шу икки дилгина бир-бирини англар, бир-бирига ҳамоҳангу вобаста эди.* «Ёшлик».

ВОВ *тақл. с.* Ит вовиллаганда чиқарадиган товушни ва унга тақлидни билдиради. *Мирёқуб Мирзабобони ёнига олиб, дарвоза дарчасидан кўчага чиққан ва қишлоқ итларининг вов-вовлари ўртасида кета туриб, жоҳил сўфининг қайсарлигини синдириш учун турли-туман тадбирлар ахтарарди..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ВОВАЙЛАТО 1 *айн.* **вовайло.**

2 Войвойлаш, байбайлаш.

ВОВАЙЛО [*а.* واویلا – афсус, аттанг, эвоҳ] *унд.с.* Оҳ-воҳни, ҳасратни, афсус-надоматни ифодалайди. *Вовайло қилмоқ. Нега булут аро боқасан, офтоб, Нега куйларда ҳам дариғ, вовайло?* Миртемир.

ВОВИЛЛАМОҚ 1 «Вов-вов» деган овоз чиқармоқ; ҳурмоқ. *Ит вовиллади.* ▬ *Ғазабланган кучукларнинг вовиллаши, томошачиларнинг қийқириши кўкни қоплайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Изма-из келаётган Йўлбарс вовиллади. Ота орқасига қайрилиб қараса, салт отлиққа кўзи тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма с. т.* Акилламоқ, ўшқирмоқ, қопмоқ. [*Эшон:*] *-Сенга ким қўйибди бундай гапларни! – деб вовиллаб берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ВОДАРИҒ(О) [*ф.* وادریغا – э афсус, аттанг] *унд. с.* Афсус-пушаймонни, оҳ-воҳни ифодалайди. *Водариғо! Бу қандай гап!* ▬ *Яккалашса, келар эди зўрлигим, Водариғо, кўрсатмадим эрлигим. Асир қолиб, келди қаттиқ хўрлигим, Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.* «Гўрўғлининг туғилиши». *Бировнинг ҳалолини биров суядиган замон экан-да, водариғ!* С. Сиёев, Ёруғлик.

ВОДЕВИЛЬ [*фр.* vaudewille < vau de Vire – Вир дарёси водийси – “водевир” халқ ашулалари тарқалган жой] **1** Куплетли қўшиқ, романс, рақс, мусиқа жўрлигида ижро этиладиган, латифасимон мазмунга асосланган енгил комедия.

2 Водевиль охирида унинг ижрочилари томонидан томошабинларга қарата айтиладиган сўнгги қўшиқ.

ВОДИЙ [*а.* وادی – водий; қуриб қолган ўзан; жарлик] **1** Дарё бўйлаб чўзилган ёки тоғлар орасидаги кенг текислик. *Дарё водийси. Тоғ водийси.* ▬ *Катта-кичик водийларни қоплаб ётган туман худди кўлга ўхшаб кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бир томонингиз – харсанглар макони, иккинчи томонингиз – уфққа туташ ям-яшил водий.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Умуман экин экиладиган, обод ер. *Амударёни жиловласак, Ўзбекистонда бутун-бутун янги пахта водийлари яратилади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Умуман, мамлакат, юртнинг бир бўлаги; диёр. *Чўлқуварлар бир мақсад – Сурхон, Шерободни боғ-роғли водийга айлантириш орзуси билан яшамоқдалар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бу чол Гулистондагина эмас, бутун водийда «чавандоз» номини олган улоқчи эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *кўчма* Бирор нарса учун хос бўлган жой, макон. *Афтидан, унинг ўзи ҳам афсонавий гўзаллик водийсини кўришга ошиқарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ротамиз жангчилари ярадорларни кўтариб чиқишар, ҳалок бўлганлар ўрнига ёрдамчи жангчиларни эргаштириб, «ажал водийси»га кириб боришарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. -*Мен ўлим водийсида хизмат қилганман, — деди ошпаз.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Жунун водийси Мажнунлик, телбалик олами. *Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни.* А. Навоий. **Ишқ водийси** Ишқ-муҳаббат олами. **Фано водийси** Йўқлик (йўқ бўлиш) олами. *Чиқолмай сира маълум гирдобдан, Фано водийсини кезган бандалар.* Ғайратий.

ВОДОВОЗ [*р.* вода — сув + воз(ить) — ташимоқ] *с.т.* Сув ташийдиган машина. *Шаҳарча томондан ҳам водовозлар кела бошлади.* П. Қодиров, Эрк. *Водовоз келиши билан вагонлардан кишилар, хотинлар, болалар сакраб тушишди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ВОДОКАНАЛ [*р.* вода — сув + *лот.* canalis — қувур, нов] Сув ўтказиш тизими, тармоғи. *Водоканал ходимлари келиб, машиналар билан кавлашади, тўғрилашади, кўмишади.* Газетадан.

ВОДОКАЧКА [*р.* вода — сув + качка — (насос билан) босиб чиқариш] Сув чиқарувчи насослар ўрнатилган махсус бино. *Водокачка очилиш маросими катта тўйга, каттакон сайилга айланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ВОДОЛАЗ [*р.* вода — сув + лаз(ить), лезть — кирмоқ, тушмоқ] *с.т. қ.* **ғаввос.** ..*сув ости техника бошқармасининг водолазлари ва электрпайвандчилари.. газ қувурларини дарё тубига ўрнатадилар.* Газетадан.

ВОДОПРОВОД [*р.* вода — сув + провод(ить) — ўтказмоқ] Саноат ва маиший эҳтиёжларни сув билан таъминлаш учун қурилган сув қувурлари, насос станциялари ва ш. к. тизими. *Тошкент водопроводи. Водопровод тармоғи. Водопровод суви.* ▬ *Водопровод учун кавлаб қўйилган чуқурлар қоронғида ваҳимали кўринади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Кампир водопроводдан сув олиб, ҳовлига сепмоқчи бўлди.* «Гулдаста».

ВОДОПРОВОДЧИ Водопровод қуриш ва тузатиш ишларида ишловчи мутахассис ишчи.

ВОДОРОД [*р.* вода — сув + род(ить) — туғиш, туғдириш] Кислород билан қўшилиб, сув ҳосил қиладиган, Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб рангсиз, ҳидсиз енгил газ; кимёвий элемент. *Водород билан тўлдирилган аэростат.* ▬ *Лойиҳага кўра, уй чердагига ўрнатилган қуёш батареяси сувни кислород ҳамда водородга ажратади.* «Фан ва турмуш».

ВОЕЙ *унд. с.* Қаттиқ алам ёки ортиқ даражадаги завқ, қувонч каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. *Воей, ёш бола деган шунақа ширин бўладими!* ▬ [*Майсара Ҳидоятга:*] *Келин қўрққанидан ҳуши кетиб қолди, икковингиз-ку майли, бу ўртада мени худо урди. Худди тилка-тилка қилади-да, воей!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ВОЕНКОМ [*р.* “военный комиссар” бирикмасининг қисқартмаси] *с.т. эск.* Ҳарбий комиссар. *Ана энди военкомнинг мардикорга қараб айтаётган сўзи..* “Ўзбек фольклори”.

ВОЕНКОМАТ [*р.* “военный комиссариат” бирикмасининг қисқартмаси] Ҳарбий комиссарлик. *Нормат узр айтгунча, шофер жавоб қилди: Соат тўққизда военкоматда бўлишимиз керак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ВОЖАК [*р.* “вожати” < “водить”сўзидан — бошлаб, бош бўлиб борувчи] *с.т. эск.* Бошқариб, раҳбарлик қилиб борувчи шахс; бошлиқ. -*Комсомолмисиз? Мен сизнинг вожакингизман. Айтинг, ахир, хотинингизни нега ташлаб кетдингиз? — Вожак бўлиш у ёқда турсин, пайғамбар бўлсанг ҳам, айтмайман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ВОЖАТИЙ [*р.* “вожати” < “водить” сўзидан — бошлаб борувчи] *эск.* **1** Пионер отряди, болалар уйи, комсомол кабиларда отряд, дружинанинг раҳбари. *Пионерлар лагерини тарбиячи ва вожатийлар билан таъминлаш масалалари ҳал этиб қўйилди.* Газетадан.

2 *с.т.* Трамвай ҳайдовчиси. ..*Тошкент трамвай ишхонасига кирди. Вожатий бўлиб ишлади.* Газетадан.

ВОЖИБ [*а.* واجب — зарур, керакли, мажбурий; мажбурият, бурч] **1** *дин.* Ҳар бир мусулмонга пайғамбар томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий, зарур бўлган амал тури. *Уч хил амал бордирки, улар ҳар бир мўмин зиммасига вожибдир.* «Фан ва турмуш».

2 *с. т.* Бажарилиши мажбурий. [*Барногул*:] *Амри подшо вожиб, ҳеч ким тарки вожиб қилолмайди.* «Орзигул». *Биз дўконни ёпиш хусусида амри фармон берган эдик. Ё бизнинг амримиз сенга вожиб эмасму?* С. Сиёев, Аваз.

ВОЗ: воз кечмоқ 1 Эгалик ёки фойдаланиш ҳуқуқидан, имкониятидан кечмоқ, фойдасидан, баҳридан ўтмоқ. *Меросдан воз кечмоқ. Ҳақидан воз кечмоқ.* ▬ *У* [*Турғун*] *Саодат учун ҳамма нарсадан воз кечишга ҳозир эканини ёзган эди.* О. Ёқубов, Тоғ қизи.

2 Бирор фикр, хатти-ҳаракат ва ш. к. нинг зиддига қарор қилмоқ, ундан қайтмоқ. *Немислар роса қирғин ўқига учрагач, ҳужумдан воз кечиб, орқага.. қайтишга мажбур бўлди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Аҳмаджон ҳозирча хат ёзишдан воз кечди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ВОИЗ [*а.* واعظ – тарғиб қилувчи, ваъзхон] **1** *дин.* Диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтувчи, ваъзхон, ваъзгўй. *Кейинчалик Доий Хивадаги Жоме масжидига воиз қилиб тайинланди.* «ЎТА».

2 *эск. кт.* Насиҳатомуз ёки ташвиқий нутқ сўзловчи, нотиқ. -*Энди реакциянинг аврағич воизлари мусулмонлар бирлиги тўғрисида кўкракларига уриб, дарё-дарё сўз қуядилар,* – *деди Муҳаммад Жамол.* Ойбек, Нур қидириб.

ВОИЗЛИК Воиз вазифасини бажариш; ваъзхонлик, нотиқлик.

ВОЙ *унд. с.* Қаттиқ оғриқ, алам туйғусини ифодалайди. *Мен унинг қўлини қаттиқроқ қисдим. Маҳбуба «вой» деб юборди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Уринг, Ўрмонжон ака! Сўйинг! Қоним оёғингизга тўкилсин. Вой десам, инсон эмасман!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ҳаяжон, қўрқув ва, аксинча, севинч, ҳайрат, таажжуб каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. -*Бу нима? Вой, қулоғингиз орқаси ҳам озгина қонабди,* – *деди Гулнор қўрқиб* [*Йўлчига*]. Ойбек, Танланган асарлар. *«Вой шайтонлар, роса ўхшатибди!» деди-да, жимгина томошага берилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кечқурун кўча эшиги тақиллади-ю, кампирнинг «Вой ўргилай! Вой, гиргиттон» деган товуши эшитилди. Ҳаял ўтмай эшикдан Самандаров кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Охири вой Охири, оқибати ёмон (бўлади). *Ваъдабозлик, ёлғончилик, кўзбўямачиликнинг ҳам умри қисқа, охири вой!* «Муштум» **Ҳолига вой** Ҳоли ёмон, аҳволи оғир. *Йиғидан кўзлари, қовоқлари қизариб шишган Шоқосим етиб келди: -Вафот қилди жонкашим, дардкашим. Ҳозир қўлимда жон берди. Ҳолимга вой!* Ойбек, Танланган асарлар.

ВОЙБЎ(Й) *унд. с.* Ажабланишни, ҳайратни ифодалайди. *Муса Назарович соатига қараб, шошилиб ўрнидан турди: -Войбўй, ўтириб қолибман, у ёқда ишим ошиб-тошиб ётибди.* П. Қодиров, Уч илдиз. [*Орипов*:] *Хўш, хоним, қаерга келган эдик? Менга қаранг, войбўй, мунча қовоғингиздан қор ёғяпти.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ВОЙВОЙЛАМОҚ Дод-вой қилмоқ, вой-вой деб қичқирмоқ (оғриқ, қайғу-алам, қўрқув ва ш. к. туфайли). *Миршаб кучаниб туриб, (боланинг ўнг қулоғини) зарб билан тортган эди, оғриқ жонидан ўтиб кетди, шекилли, бола войвойлаб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ВОЙДОД *унд. с.* **1** Ёрдамга чақириш, бирон иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. га чидай олмаслик, норозилик нидоси. -*Дод! Войдод! Қароқчилар босди!!!* – *довон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Войдод, халойиқ, бу қандай эркакки, хотинини бировга қўшиб қўйиб, ўзи эшик пойлаб ётади.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 Ўта завқланиш, хурсандликни ифодалайди. -*Войдод!* – *Мирсалимов бамисоли товуқдай қийқанглаб кулди.* «Гулдаста». [*Мулладўст*:] *Войдод, мен айтдим, чимматнинг ёнбошидан қарайдиган бўлиб қолди, деб.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ВОЙДОДЛАМОҚ Войдод деб қичқирмоқ, дод-фарёд кўтармоқ, ёрдамга чақириб додламоқ.

ВОКАЛ [*лот.* vocalis – овозли, хушовоз; унли] Ашулага, ашулачиликка оид: ашула қилиб айтиш учун мўлжалланган. *Вокал мусиқа.* ▬ *Фестиваллар Ўзбекистон пойтахтида кучли вокал мактаби шаклланаётганидан далолат беради.* Газетадан.

ВОКАЛИЗМ Бирор тилнинг унли товушлар тизими. *Бухоро шевасининг вокализмидаги специфик хусусиятлар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин..* «ЎТА».

ВОКАЛИСТ Ашулачилик санъати мутахассиси; моҳир ашулачи; санъаткор. *Республикамизда мусиқа санъатининг тез суръатлар билан ривожланиши.. малакали вокалистлар етишиб чиқишига замин тайёрлади.* Газетадан.

ВОКЗАЛ [*ингл.* Vauxhall, *айн.* Вокс кошонаси – Лондондаги сайргоҳ боғнинг номи] Йўловчилар ва транспортга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бино, бинолар мажмуи (Вокзалнинг темир йўл вокзали, автовокзал каби турлари бор). *Кеч соат ўнга яқин поезд жўнади-ю, у деразадан қўл силкита-силкита кўринмай кетган Гавҳарни кўз олдидан кетказолмай, вокзалдан секин чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Йўлдош вокзалда эшелон жўнашга тайёр турганини кўрди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ВОЛА [*а.* واله – шайдо; мафтун, ҳайратда қолган; ақл-ҳушини йўқотган] *эск. кт.* Мафтун, ҳайратда, ҳайрат ҳолатида бўлиш. *Не ажаб, сизга ҳама вола экан..* Ҳабибий. *Тушимми ё ўнгимми – унга қараб қолдим, кўзимда вола.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

Вола бўлмоқ Мафтун бўлмоқ, ҳайратли ҳолатга тушмоқ. *Бўлибман, нетай, бир пари воласи, Қизил юзлари гулшаним лоласи.* Ҳабибий. *Йўқ, ул пиёла эрмас, Санъат экан мукаммал, Кўрганда етти иқлим Ҳайрону вола бўлгай.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ВОЛАН [*фр.* volant – учадиган] Бадминтон ўйинида: бир томони патли тўпча, коптокча.

ВОЛАПЮК [volapuk < *ингл.* world – жаҳон + speak – гапирмоқ, сўзламоқ: "жаҳон тили"] Сунъий халқаро тиллардан бирининг номи (оммалашмаган).

ВОЛДИР Шох ёки металлдан ясалган соққа; золдир. *Биласизми, қаҳратон қиш, қор бўрони қутурган пайт. Туф десанг, тупугинг ерга муз волдир бўлиб тушиб ўйнаб кетади.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди.

ВОЛЕЙБОЛ [*ингл.* volley – уриб қайтармоқ + ball – тўп] *спрт.* Қарши команда майдонига тўпни қўл билан уриб, тўрдан ошириб тушириш ўйини. *Волейбол ўйнамоқ. Волейбол майдони. Волейбол командаси.* ▬ *Волейболни ҳамма ерда ўйнаш мумкин. Бунинг учун фақат тўп, тўр, 9 x 18 метрли текис майдонча ва ҳар бири 6 ўйинчидан иборат икки команда керак.* «У ким, бу нима?» [*Қудрат*].. *мактаб майдончасида волейбол ўйнаётган болаларга қўшилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ВОЛЕЙБОЛЧИ Волейбол ўйновчи спортчи. *1963 йили Москвадаги жаҳон чемпионатида япон волейболчилари тўп узатишда кўп очкони қўлга киритдилар.* «У ким, бу нима?».

ВОЛИДА [*а.* والده – она] *эск. айн.* **она**. *Волидамиз бетоб ётган эканлар, мени кўриб ҳушдан кетдилар.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Икки тарафимизни ёғий босган. Волидангиз тайинлаб юбордилар. Дарҳол Андижон қўрғонига бориб, бекларни тўпламоқ керак.* П.Қодиров, Юлдузли тунлар.

ВОЛИДАЙН [*а.* والدين – ота-она] Ота-она. *Ота-оналар фарзандларига, болалар эса волидайн умрига барака беришини сўраб, Яратганга ёлбордилар.* Т. Малик, Шайтанат.

ВОЛИ(Й) [*а.* والى – ҳоким, ҳокимият вакили] Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида хон ва подшоҳ томонидан тайинланадиган вилоят ҳокими.

ВОЛОСТЬ [*р.* волда – ҳокимият] *тар.* Чор Россиясида ва СССРда 1919–1929 йиллардаги районлаштиришга қадар уезд таркибига кирувчи қуйи маъмурий-ҳудудий бўлинма. *..ер бўлиш вақтида волость ер қўмитасидан тўқайга Арслонбеков вакил бўлиб келган.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қисқаси, намуна фирқа ячейкаси билан волость комсомол ёшлар қўмитасининг ношир афкори "Ёш куч" деворий газетасини чиқара бошлади.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ВОЛЬТ [*итал.* < итальян физиги А. Вольта (Alessandro Volta) номидан] *физ.* Халқаро бирликлар тизимида электр токи кучланиши ва электр юритувчи кучнинг ўлчов бирлиги.

ВОЛЬТА [*итал.*]: **вольта ёйи** *физ.* Электр токи занжирига уланган электродлар орасидаги газда ҳосил бўладиган чўғ ёй.

ВОЛЬТЛИ Маълум вольт кучланишга эга бўлган. *Паст вольтли электр тармоғи. Юқори вольтли қурилма.*

ВОЛЬТМЕТР *физ.* Электр занжирининг икки нуқтаси орасидаги кучланишни ўлчайдиган асбоб.

ВОЛЬФРАМ [*лот.* Wolframium < *нем.* Wolfram < Wolf – бўри + Rahm – сўлак, кўпик] Юқори температурада эрийдиган, оғир, жуда қаттиқ оч кулранг металл, Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент. *Вольфрам қотишмалари.* ▬ *Вольфрам пўлатларни легирлашда, ейилишга чидамли ва иссиқбардош қаттиқ қотишмалар олишда кенг қўлланади.* «Политехника луғати».

ВОЛЮНТАРИЗМ [*лот.* voluntas – ирода; хоҳиш-истак; интилиш] **1** *флс.* Иродани борлиқнинг энг олий кўриниши, тамойили

деб қаровчи, ақл-идрок ва таҳлилга суянишга қарши бўлган фалсафий оқим.

2 Тарихий жараёнларнинг объектив қонуниятларига риоя қилмасдан, мавжуд шарт-шароитлар ва имкониятлар билан ҳисоблашмасдан, ўзбошимчалик билан сиёсат юритиш, ўз хоҳиш-иродасини ҳамма нарсадан юқори қўйиш.

ВОЛЮНТАРИСТ Волюнтаризм тарафдори.

ВОЛЮНТАРИСТИК Волюнтаристга хос, волюнтаризмга асосланган. *Волюнтаристик дунёқараш. Волюнтаристик назария. Волюнтаристик сиёсат.*

ВОНА Корея Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикасининг пул бирликлари.

ВОРИЛЛАБ Равон ва тез (сувнинг оқиши ҳақида) *қ.* **вариллаб.** *Чинорлар тагидан вориллаб бир ариқ сув чиқиб ётарди.* «Ёшлик». *Қор эриб, тунука тарновлардан сув вориллаб оқа бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВОРИС [*а.* وارث – меросхўр, мерос қилиб олувчи] **1** Мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, мерос эгаси, меросхўр. *Олимхоннинг «фазилатлари» саноқсиз.. ерли-сувли, пулдор одам вафот қилса, унинг ворисларини бир-бири билан жиққамушт қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ўтмишдан, ота-боболардан мерос қолган моддий ва маданий бойликларга эгалик қилувчилар, уларнинг ишларини давом эттирувчилар. *Ишчи ва деҳқонларнинг муносиб ворисларини тарбиялаш – ҳунар-техника билим юртининг асосий вазифаси.* Ҳ. Иброҳимов, Ворислар.

ВОРИСЛИК Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи) ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўз меросхўрларига ўтиши.

ВОРОНКА [*р.* – «ичи тешик нарса; найча»] **1** Оғзи тор идишларга суюқлик қуйиш ва фильтрлаш учун ишлатиладиган, бир (қуйи) томони найчали, конус шаклидаги асбоб. *Шиша воронка. Керосин воронкаси. Сут воронкаси.*

2 Шу асбоб шаклига эга бўлган нарсага нисбатан қўлланади. *..сартарош оғзидаги носини қўлидаги воронка қилиб ўралган қоғозга ташларкан, «бўлмайди», деди.* «Муштум».

ВОСИЛ [*а.* واصل – эришувчи, етишувчи; етиб келувчи; бириктирувчи]: **восил бўлмоқ** *эск. кт.* Эришмоқ, етишмоқ; бориб етмоқ. *Ёнимга тезроқ келсанг-а, Васлимга восил бўлсанг-а, Тинмай бўсалар олсанг-а, Ёринг нидо айлади.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ВОСИТА [*а.* واسطه – чора, тадбир, усул; ўрта, ўртадаги] **1** Бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қурол. *Ахборот воситалари. Техника воситалари. Транспорт воситалари. Ишлаб чиқариш воситалари.* ▬ *Дарёдан сузиб ўтиш учун Умаровда қайиқ ҳам, оддий сузиш воситаси ҳам йўқ эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Умуман, бирор нарсани амалга ошириш учун хизмат қиладиган, фойдаланиладиган нарса, омил. *Дейдиларки, одатда, севишганлар ўз кўнгилларини тил билан изҳор этолмайдилар, имо-ишора ва баъзан қочириқ гаплар жуда яхши восита эмиш.* Шуҳрат. Шинелли йиллар. *Меҳнат интизоми шундай бир воситаки, у ишда уюшқоқликни, ташаббускорликни, ижодкорликни таъминлайди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Қорақанд меваси билан чинор пўстлоғидан тайёрланган шарбат ҳам қандли диабетни даволашда яхши восита экан.* «Фан ва турмуш».

3 (*ў.-п. к. да* – **воситасида**) *кўм. взф.* Орқали, туфайли. *..фақат у менинг воситамда тўйни бошлаш учун сиздан изн олгани келган экан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..уларнинг* [*давлатмандларнинг*] *зиёфатлари воситасида баъзи мадрасаларнинг мударрислари, муҳаррирлари билан ҳам танишди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Восита қилмоқ Восита сифатида ишга солмоқ, фойдаланмоқ. *Мунисхонни шунча ваҳима босдики, онасини восита қилишга сабри чидамай, акаси билан юзма-юз ўтириб гаплашишга мажбур бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ВОСИТАЛИ Воситага эга бўлган, бирор кимса ёки нарса воситаси билан амалга ошириладиган; бавосита.

Воситали тўлдирувчи *тлш.* Тушум, қаратқич, бош келишикларидан бошқа келишикларда, шунингдек, айрим кўмакчилар билан келган сўзлар орқали ифодаланган тўлдирувчи.

ВОСИТАСИЗ *қ.* **бевосита.**

Воситасиз тўлдирувчи *тлш.* Тушум келишигидаги сўз орқали ифодаланган тўлдирувчи.

ВОСИТАЧИ Бирор ишнинг амалга оширилишида восита ролини ўйновчи кимса

ёки нарса. *У билан биз подшонинг амрини юзага чиқарадиган воситачилар, холос.* К. Яшин, Ҳамза. *..малакали таржимонларнинг етишмаслиги натижасида ҳанузгача француз адабиёти намуналари воситачи тил орқали таржима қилинмоқда.* «ЎТА».

ВОСИТАЧИЛИК Воситачи ишини бажариш, воситачи бўлиш. *Махдум Сафар бўзчини мулла Абдураҳмон тарафидан воситачилик учун жўрттага келган, деб ўйлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ВОТУМ [*лот.* votum – тилак, истак, хоҳиш] Сайловчилар ёки вакиллик органларининг кўпчилик овоз билан қабул қилган қарори ёки фикри.

ВОФУРУШ [*ф.* وا – очиқ + فروش – сотувчи] *эск.* **1** Оёқ кийимлари билан савдо қилувчи дўкондор. *Исоқ отанинг қўлидан чиққан кавуш бежирим, бекам-кўст бўлгани учун, вофурушлар уларни жон деб сотиб олишарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Кўнчилар қайиш, сахтиён.. тайёрлаб, вофурушларга улгуржи ёки пойабзал тикадиган косибларга чакана сотадилар.* Н. Сафаров, Наврўз.

2 Эгар, ўроқ каби буюмларни олиб сотувчи дўкондор.

ВОЯ [*ф.* وایه – ҳисса, насиба; истак, эҳтиёж; ақл, эс]: **вояга етмоқ 1** Улғайиб балоғатга (балоғат ёшига) етмоқ. *Вояга етган қиз.* ▬ *Маълумки, сўнгги йилларда ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик вояга етмаган болалар ўртасида ҳам кенг тарқалмоқда.* Газетадан.

2 Умуман, ёш ва бошқа жиҳатдан етук (етилган) даражага эришмоқ. *-Мен шундай табаррук, фидокор инсонни туғиб вояга етказган онани албатта кўришим керак, – деди меҳмон.* Назармат. Жўрлар баланд сайрайди. *Мадатов оиласида 8 фарзанд туғилиб вояга етди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Маълум бир иш, фаолиятда етукликка, камолотга эришмоқ. *..оқсоқол ёзувчилар қурултойга ўз кўз қорачиқларидек ардоқлаб вояга етказган ўнлаб талантли шогирдларини эргаштириб келдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Униб, ўсиб етилмоқ. *Даромадни еганни-ку еган, вояга етган мева дарахтларини кесиб кетаётгани нимаси?* «Муштум». *..ташлаган данаклар кўкариб, вояга етиб, ҳосилга ҳам кирибди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

ВОҚЕ(Ъ) [*а.* واقع – йиқилаётган; содир бўлаётган; рўй бераётган; ҳақиқий]: **воқе бўлмоқ** *кт.* Содир бўлмоқ, рўй бермоқ, юз бермоқ; келиб чиқмоқ. *Эртаси кун бутун Марғилон деярлик Маликбойнинг майдонида воқеъ бўлган ишга жуда ҳайрон эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ВОҚЕА [*а.* واقعه – ҳодиса; ҳол, ҳолат; жанг] Воқе нарса, иш-ҳодиса, ҳолат ва ш. к. *Кутилмаган воқеа. Тарихий воқеа. Халқаро воқеалар. Қувончли воқеа. Қизиқ воқеа. Нохуш воқеа. Муҳим воқеа.* ▬ *Бу фильмдаги воқеаларни айтишга одам боласининг тили бормас эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўзи билан боғлиқ бўлган бир неча воқеаларни ҳам сўзлаб берди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Фарғона водийсида энг буюк, тарихга кирган воқеа Катта Фарғона каналининг қазилишидир.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Романнинг бадиийлигига соя ташлаб турган воқеалар баъзи ўринларда ортиқча чўзилиб кетади.* С. Кароматов, Олтин қум.

ВОҚЕАН [*а.* واقعاً – ҳақиқатан] *рвш. эск. кт.* Ҳақиқатан, дарҳақиқат; дарвоқе, айтганча. *Қутидор ўзича нима тўғрисидадир ҳисоб юритди-да: -Воқеан, сиз мени эслай олмайсиз, – деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳай, воқеан, – деди махдум, кулги ораси тўхтаб.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ВОҚЕАНАВИС [воқеа.. + *ф.* نویس – ёзувчи] **1** Воқеликда юз берган, ҳақиқий ҳодисаларни акс эттирувчи ёзувчи. *Шолохов – атоқли санъаткордир.. талантли ва ростгўй воқеанависдир.* Газетадан.

2 *эск.* Расмий йўл билан қўйилган махфий агент; махфий кузатувчи; айғоқчи, жосус. *-Эҳтиёт бўлиш керак, – астагина шивирлаб насиҳат қилади халфа ва шогирдларга бобом. – Шу кунларда палиса ғиз-ғиз санғиб қолди, воқеанавислар урчиб кетди.* Ойбек, Болалик. *Ҳусайн Бойқаро.. ўзининг воқеанавислари орқали.. олиб турган маълумотларини сўзлади.* Ойбек, Навоий.

ВОҚЕИЙ [*а.* واقعی – ҳақиқий, амалдаги] **1** Воқе ҳолатли, ҳақиқатан рўй берган; чин, реал. *Воқеий ҳодисалар.*

2 Воқе ҳолатда бўлган нарсаларга оид, улар ҳақидаги. *Воқеий ҳикоя.* ▬ *Адабиётимиздаги ҳужжатга, ҳаётда бор фактларга асосланиб ёзилган воқеий асарлар катта салмоққа эга.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ВОҚЕЛИК Табиий ва ижтимоий-тарихий ҳодисаларни ифодаловчи объектив реаллик. *Ҳар бир миллий тил воқеликни билиш жараёнини мустақил, ўзига хос равишда акс эттириш характерига эга.* «ЎТА». *Бу даврда эртак ва афсоналар чинакам воқеликка айланмоқда.* Газетадан.

ВОҚИФ [*а.* واقف – тўхтаб қолган, тургун; хабардор, билувчи] Бўлиб ўтган ёки бўлажак воқеа, ҳодисадан, махфий нарса, сир ва ш. к.дан хабари бор; хабардор. *Ота-она ва ҳатто ҳамма нарсадан воқиф буви кўз олдида.. Ҳафиза тамоман ўзгаргандай бўлди.* Мирмуҳсин, Умид. *У амирнинг қушбегиси.. давлатнинг барча ички-ташқи сирларидан воқиф.. ҳазратнинг наздида кемадай қалқиб турган шаҳар сирларидан ҳам хабардор.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

Воқиф бўлмоқ Хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ; билмоқ. *Сиз шундай қилингки, бола сиздан сир яширмасин. Ана унда.. сиз унинг бутун хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб турасиз.* С. Зуннунова, Янги директор. *Орадан уч кун ўтгач, Довуд ҳукумати бу шов-шувдан воқиф бўлиб, Тоҳирни саройга чақиришди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ВОҲ *унд. с.* Ғам, қайғу, алам, афсус ёки оғриқни ифодалайди; оҳ, вой. *Турфа савдолар бошима тушди, кетди ихтиёр, Воҳ, ўтарга ўхшади энди умр занжирда.* Ҳамза. *Қизил гулдай хотиним қолди.. Воҳ, воҳ, пешонам.. Ёдимга тушса, жигарим хун бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВОҲА [*а.* واحه – саҳро ўртасидаги сувли, кўкаламзор жой] Чўл ва чалачўлларда обод қилинган ер. *Зарафшон воҳаси. Хоразм воҳаси.* ▬ *Бир томчи сувга зор бўлиб ётган дашт ўзлаштирилиб, маъмурчилик воҳасига айлантирилиб, Оқар қишлоғи аҳолиси қараб турармиди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Воҳанинг узунлиги нари борса уч-тўрт фарсанг, кенглиги кўп бўлса бир фарсанг келар.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Тупроғи серунум, иқлими мўътадил, аммо суви камчил Қашқа воҳасини боғ-роғларга айлантириш қадимий орзу эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ВОҲАСРАТО [*ф.+а.* واحسرتا – қаттиқ қайғуриш, ачиниш ва ш. к. да айтиладиган сўз] *кам қўлл.* **1** *унд. с.* Ачиниш, қайғуришни билдиради.

2 Ачинарли, аянч ҳолатли. *Наҳотки унинг қисмати бир умрга шундай воҳасрато бўлиб қолиб кетса.* К. Яшин, Ҳамза. *1930 йилда Қашқадарё қишлоқларига.. борганимизда, камбағал деҳқонларнинг воҳасрато кулбаларини.. кўриб келган эдик.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ВОҲИД [*а.* واحد – ягона; бир; бирлик] *эск. кт.* **1** Бир, якка, ёлғиз; бирдан-бир. *Тўй тугагач, ваъдаи воҳид қайта-қайта эслатилиб, қуюқ хайрлашилди.* Н. Аминов. Ёлғончи фаришталар.

2 *эск. мат.* Бирлик (ўлчов бирлиги).

3 Ягона субстанция (алкимёчилар тасаввурида).

4 Воҳид (эркаклар исми).

ВРАЧ [*р.* врач < врати – гапирмоқ, сўзламоқ; авроқчи; сеҳргар] Олий маълумотли (ўрта маълумотли тиш врачларидан ташқари) тиббиёт ходими. *Болалар врачи. Ветеринария врачи.* ▬ *Эмизикли она ҳар қандай дорини ҳам врач маслаҳатисиз ичмаслиги керак.* Газетадан. *Пахтакор – пахта, боғбон – мева етиштиради, рассом расм чизади, врач даволайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ВРАЧЛИК Врач касби, иши. *Врач кузатувчан ва сабр-тоқатли бўлиши шарт. У врачлик сирларини гапириб қўймаслиги учун тилини тия билиши ҳам керак.* «У ким, бу нима?» *Врачлик нақадар олижаноб касб ва бу касб эгалари жуда ажойиб кишилар эканлигини сиз яхши биласиз.* «У ким, бу нима?»

ВУЖУД [*а.* وجود – борлик, мавжудлик; гавда, жисм] **1** Кишининг бутун борлиғи, жони-тани; аъзойи бадан. *Хўжабеков бўмбўш кўчада якка ўзи. Бутун вужуди асабий титрайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ота домдараксиз кетган ёлғиз ўғли Раззоқни эслаб, бутун вужудида аллақандай бир ҳолсизлик сезди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У қоп-қора, қотма, вужуди пай бир йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бутун вужуди билан Бор (тамоми) имконияти, диққат-эътиборини ишга солиб. *Мана шу бахтиёр кунларни халқимиз ўзининг қони билан, жони билан, бутун вужуди билан ҳимоя қилган.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Устоз гапларини тушуниб олиш учун бутун вужудим билан тинглардим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Саидқосим ўринбосарлик ишига бутун вужуди билан киришди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 *кўчма* Одам, шахс, зот. [*Отабек:*] *-Сизми, Кумуш? — деб сўради.* [*Кумуш:*] *-Мен, мен! — Бу савол-жавоб ила икки вужуднинг ҳамма ҳасратлари, аламлари бир-бирларига англашилган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Умуман, жонли ва жонсиз нарсаларнинг борлиғи, жисми. *Жамики мавжудотнинг вужудида ҳам тебранма ҳаракатни кўрамиз.* «Фан ва турмуш».

Вужудга келмоқ Дунёга келмоқ, юзага келмоқ, яралмоқ. *Унинг* [*Ботиралининг*] *ҳисобича, шу поёнсиз тўқайнинг ўзида бир неча янги қишлоқ вужудга келиши мумкин.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Нон қанчадан-қанча кишиларнинг ҳалол меҳнати билан вужудга келади.* Газетадан.

ВУЖУДИЯТ [*а.* وجوديّت — мавжудлик билан боғлиқ барча нарсалар] *эск. кт. қ.* **вужуд 1**. *Агарда бутун вужудиятини.. йигитнинг ишқи тўлдирмаган бўлса эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ВУЗАРО [*а.* وزرا — «вазир» сўзининг кўплиги] *қ.* **вазир-вузаро**.

ВУЙ *унд. с.* Муболағани, ҳайратни ифодалайди. *Вуй, одам! Вуй, ари!* ▬ *Вуй, чиройлилигини! Кокил, бу кимники, ўзингникими?* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Вуй, мунча-а! — Лобар сирли пичирлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ВУЛКАН [*лот.* vulcanus — ўт, олов < қадимги Рим мифологиясида: олов ва темирчилик маъбуди номи] Ер пўстидаги ёриқлар, каналлар орқали лава, иссиқ газ, сув буғлари ва жинс бўлакларини чиқариб турадиган геологик тузилма. *Вулканлар Ер пўстида содир бўладиган тектоник ҳаракатлар натижасида пайдо бўлган ёриқ (канал)лар орқали лава, иссиқ газ, сув буғлари ва бошқа жинсларни чиқариб турадиган конус шаклидаги баландликлардир.* «У ким, бу нима?»

ВУЛКАНИЗАЦИЯ, вулканлаш [*ингл.* vulkanization — каучукни резинага айлантириш] *тех.* **1** Вулканизация агентлари деб аталувчи олтингугурт, органик пероксидлар ва баъзи синтетик смолалар иштирокида каучукни резинага айлантириш ва резина буюмлар тайёрлаш жараёни.

2 Автомобиль, велосипед, мотоциклларнинг резина камераларини, шиналарини ямаш. *Вулканизация аппарати. Вулканизация устахонаси. Вулканизация қилмоқ.*

ВУЛКАНОЛОГИЯ [вулкан + *юн.* logos — фан, таълимот] Вулканларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг ривожланиши, тузилиши, Ер юзида тарқалиши, жойлашиши ҳақидаги фан. *Вулканология институтидан хабар беришларича, иккита оловли лава отилиб чиқиб..* Газетадан.

ВУЛЬГАР [*лот.* vulgarus — оддий; одатий] Дағал, қўпол, одобдан ташқари. *Вульгар сўз. Вульгар ибора.*

ВУЛЬГАРИЗМ *тлш.* Адабий тилда ишлатиладиган вульгар сўз ёки иборалар. *Ғафур Ғулом поэзиясида образлиликни таъминловчи воситалар сифатида архаизм, профессионализм, вульгаризм каби алоҳида махсус лексика ресурслари эмас, балки кенг истеъмолдаги “оммавий” сўзлар асосий роль ўйнайди.* «ЎТА».

ВУЛЬГАРЛАШТИРМОҚ Объектив ҳақиқат, воқеа-ҳодиса, таълимот ва ш. к. нинг туб маъносини жуда ҳам соддалаштириб, сохталаштириб, бузиб кўрсатмоқ, нотўғри ва сийқа талқин қилмоқ.

ВУЛҚОН *эск. айн.* **вулкан**.



ГАБАРДИН [*фр.* gabardine – узун камзул] Пальто ёки костюмбоп бир нав жун мато ва шу матодан тикилган уст кийим. *Бир костюмлик габардин. Габардин костюм.* ▬ *Фақат бутун завод коллективи номидан жиянимга ушбу габардин макинтошни кийдириш билан чекланаман.* С. Аҳмад, Сайланма.

ГАБАРИТ [*фр.* gabarit – ўлчам] Бино, кема, вагон, машина ва ш. к. нинг сиртқи чегаравий ўлчами. *Кўпгина радиоприёмниклар ва телевизорлар аслида ранги ва габарити билангина бир-бирларидан фарқ қиладилар.* Газетадан.

Габарит дарвоза Усти очиқ темир йўл вагонларига юкланган юкларнинг ўлчамини, габаритини текшириш учун қурилган махсус дарвоза.

ГАББРО [*итал.* gabbro – Италиянинг Ливорно шаҳри яқинидаги жой номидан] Таркибида оҳак-натрий моддаси бор магматик тоғ жинси. *Республикада 20 та мармар, 15 та гранит ва габбро кони борлиги аниқланган.* Газетадан.

ГАБР (ЛАР) [*ф.* گبر – зардуштий; кофир] **1** *эск.* Номусулмон, яъни мусулмон бўлмаганларнинг мусулмонлар орасидаги номи.

2 Эронда: зардуштийликка эътиқод қилувчилар.

ГАВАЗ [*ф.* گوزن – катта сигир] *қ.* **говвос**.

ГАВАНЬ [*голл.* haven] Денгиз ва дарёларда сув сатҳининг тўлқин, шамол ва сув оқимларидан сунъий ёки табиий ҳимояланган, кемалар турадиган ва таъмирланадиган қирғоқ қисми. *Пароход гаванда турибди.* ▬ *Қайдан кўтарилди бу янгроқ қўшиқ, Гаванлардан учди куйлаб оққувлар.* Т. Тўла.

ГАВАРА, ГАВРА [*ф.* گهواره – бешик] *шв.* Бешик.

ГАВДА 1 Инсон ёки ҳайвон танасининг умумий кўриниши; жусса, қад. *Жўрабой отанинг узун қотма гавдаси қоронғида кўздан ғойиб бўлди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қиз семиз гавдасига ярашмаган эпчиллик билан лип этиб олдинга ўтди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Тан, тана (вужуд билан жон қарама-қарши қўйилганда). *Йўқ, юрди эмас, оёқларини ихтиёрига қарши судради. Лекин жони қолиб, қуруқ гавдаси кетар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Жонсиз тана, мурда, жасад. *Дарвозадан ўн одим нарида боши танидан узилган уч кишининг гавдасига йўлиқдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Бирор нарсанинг борлиғи, танаси, кўриниши. *Ҳовли ўртасида чирик гавдаси ўрадай ўпирилган қари баҳайбат тол.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мудҳиш бўлиб кўринар Тунда тоғлар гавдаси.* Ғайратий.

ГАВДАЛАНМОҚ 1 Кўринмоқ, кўриниб турмоқ, кўзга ташланмоқ. *Ярим йўлга етганда, узоқда қоп-қорайиб гавдаланиб турган адир томондан «қууқ» деган чўзиқ товуш эшитилди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Шохдор ола сигир ғира-шира гавдаланиб турарди.* «Гулдаста».

2 Хаёлан кўз олдига келмоқ, назарида пайдо бўлмоқ. *Ўша жанг тафсилотини эслаганимда, барча қуролдош дўстларим кўз олдимда бирма-бир гавдаланади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Яна онасининг ўлим олдидаги қиёфаси кўз ўнгида гавдаланди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

3 *айн.* Акс этмоқ, мужассамлашмоқ, кўринмоқ. *Бу томонда ниҳоятда зийнатланиб бино қилинган олий иморатлар бўлиб, шаҳар усталарининг ҳамма санъат ва маҳоратлари шу биноларда гавдаланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ГАВДАЛИ 1 Гавдаси, жуссаси катта, норғул, барваста; жуссали. *Бир вақтлар гавдали ва чиройли бўлган ўттиз яшар йигит ҳозир чўпдай озиб кетган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёш, лекин гавдали бир милиционер йигит кириб, ҳамма билан саломлашиб ўтирди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Аниқловчи сўз орқали ифодаланган жуссага эга бўлган. *Йўғон гавдали.* ▬ *Ўрта бўйли, кичик гавдали, сийрак сариқ мўйловли, тийрак кўзли.. серҳаракат йигит.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГАВЖУМ Одам кўп, зич бўлган, одам кўп йиғиладиган (жой, вақт ҳақида). *Денов бозори – Сурхондаги энг гавжум бозор.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Гулноранинг кўзидан чароғон, гавжум кўчаларда сайр қилиб юрган одамларнинг бахтиёр чеҳралари ўтар, у уйқу аралаш жилмаярди.* С. Зуннунова, Кўк чироқ.

ГАВЖУМЛАШМОҚ 1 Гавжум бўлмоқ, кишилар билан тўлмоқ. *Чимён тоғи этаклари яна гавжумлашди, момиқ қор билан қопланган қияликларда анъанавий мусобақа бошланди.* Газетадан.

2 *кўчма* Файзли бўлмоқ, обод бўлмоқ. *Яқингача ҳам яшнаб, гавжумлашиб турган қишлоқ йилдан-йилга пилиги тугаган чироқдай хира тортиб, ҳувиллаб борарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ГАВИР [*ф.* گبر – зардуштий; оташпараст] *эск.* Ғирром, шайтон.

ГАВИРЛИК Ғирромлик, шайтонлик. *Аммо бизлар ул ҳаромзоданинг бунчалик гавирлигини билмаган эдик.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

ГАВРАПЎШ [*ф.* گهواره – бешик + پوش – ёпувчи, ёпқич] Бешик устига ёпиладиган мато. *Бешикка осилиб ўтирган Лаъли боласи ухлаши билан гаврапўшни ёпиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қишлоқнинг табаррук онахонлари уйда бешикка гаврапўш ёпишаётган эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ГАВРОН [*ф.* گاوران – сигир ҳайдовчи] *қ.* **говрон.** *Боғбон амаки нақ гаврон билан тириқтиради.* С. Аҳмад, Уфқ.

ГАВРОНЛАМОҚ Гаврон билан урмоқ; саваламоқ, калтакламоқ, *Сўфини ҳовуздан чиқариб олиб, ингичка новда билан гавронладилар.* «Шарқ юлдузи».

ГАВҲАР [*ф.* گوهر – қимматбаҳо тош; марварид] **1** Тарашлаб сайқал берилган олмос; умуман қимматбаҳо тошларнинг умумий номи; жавҳар. *Кўрдингми? Бу нима? Мана бу – дур, мана бу – марварид. Мана бу ёнган – гавҳар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гавҳар косада сув тутиб, қизлар қўшиқ айтиб, Нуралига парвона бўла берди.* «Нурали».

2 *кўчма* Қимматли, бебаҳо, нодир нарса. *Ер – хазина, сув – гавҳар.* Мақол.

3 Гавҳар (хотин-қизлар исми).

Кўз гавҳари *анат.* Кўз қорачиғи орқасида жойлашган, икки томони қавариқ линза шаклидаги тиниқ танача.

ГАВҲАРАФШОН [*ф.* گوهرافشان – гавҳар сочувчи] *поэт.* Гавҳардек нур сочувчи; гавҳар тўкувчи. *Равшан айларман чароғи оҳни, Кўзларимдур гавҳарафшон, марҳабо.* Нодира.

ГАВҲАРШУНОС [*ф.* گوهرشناس – гавҳарни билувчи, ўрганувчи] **1** Қимматбаҳо тошларни яхши биладиган мутахассис.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг қадр-қимматини яхши биладиган, қадрига етадиган шахс. *Ўз сўзимизнинг гавҳаршуносини, ўз шеъримизнинг Фирдавсий ва Низомийсини кўрмоққа муҳтож эдик.* Ойбек, Навоий.

ГАГАРАЛАР [*р.* < *нем.* gackern – ғоғоламоқ] Сув муҳитида яшашга яхши мослашган, нисбатан йирик қушларнинг бир туркуми. *Гагаралар Шимолий яримшарнинг совуқ ва мўътадил минтақаларида тарқалган.* «ЎзМЭ».

ГАГАУЗ 1 Украина, Молдавия, Болгария, Руминияда ва бошқа мамлакатларда яшовчи туркий халқнинг номи. *Гагауз халқи.* *қ.* **гагаузлар**.

2 Шу миллатга мансуб. *Гагауз тили.*

ГАГАУЗЛАР Украина, Молдавия, Болгария, Руминияда яшовчи туркий халқ.

ГАДО [*ф.* گدا – камбағал; тиланчи] **1** Тиланчилик билан кун кечирадиган одам; тиланчи. *Ғуломжон гадонинг бўш, очиқ қўлига бир нарса ташлаш учун чўнтакларини кавлай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Камбағал, қашшоқ. [*Жамолиддин*:] *Хазинани бойитаман, деб халқни гадо қилдингиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 *кўчма* Бирор нарсага қизиқувчи, астойдил берилган ёки зор, муштоқ одам. *Аёл ширин сўз гадосидир.* ▬ *Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз каби илм гадолари учун тилладан афзалдир.* Ойбек, Навоий.

Тирноқ гадоси Фарзандга зор одам. *Сизнинг бўлса, йўлингиз бошқа. Сиз – тирноқ гадоси.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ГАДОБАЧЧА [гадо + бачча] *эск.* **1** Тиланчининг боласи. *қ.* **гадо 1**.

2 Камбағал, бева-бечорага нисбатан ҳақорат, камситиш сўзи. *Худодан қўрқинг, Махсум. Гадобачча одам эмасми? Ё шариатда гадобаччани ўлдириш гуноҳ эмас, деб битилганми?* С. Анорбоев, Оқсой.

ГАДОЙ *қ.* **гадо 1**. *Қўли суст косибдан оёғи илдам гадой яхши.* Мақол. ▬ *Қовоқхона атрофини гадойлар, чайқовчилар қуршаган.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

Гадой топмас Топиш қийин, пастқам (жой). *Бу гадой топмас жойда ким ҳам юрарди бемаҳалда*? Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ГАДОЙВАЧЧА *айн.* **гадобачча**.

ГАДОЙЛИК Тиланчилик қилиш; тиланчилик билан кун кўриш. *Итдан қўрққан гадойлик қилмас.* Мақол. ▬ *-Гадойликдан ўлим яхши, минг марта яхши, – йиғлаб деди Шоқосим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГАДОЙЧИЛИК *айн.* **гадойлик.**

ГАДОЛИК *айн.* **гадойлик.**

ГАДОЛИНИЙ [фин кимёгари Ю. Гадолин (Gadolin) номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент.

ГАЖ [*ф.* کج – эгри, эгилган, қийшиқ] **1** Терс, тескари, акс. *Оҳ десам, тўкилар кўзимнинг ёши, Илоҳим, қурисин подшолар иши. Гажга айланган шум фалакнинг гардиши.* «Алпомиш».

2 *айн.* **гажак 3**.

ГАЖАК [*ф.* کجک – эгик, эгри] **1** Юзнинг икки чеккасига ёки пешонага ҳусн учун тушириб қўйиладиган ярим ҳалқа шаклидаги соч; зулф. *Гажак қўймоқ.* ▬ *Бегимжон икки чеккасидаги гажагини силкитиб, муштларини белига тираб турган эди, Адолат ўшқириб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *этн.* Олтин, кумуш ва ш. к. дан эгик ҳолда ясалиб, чаккага тақиладиган безак буюми. *Сухсур олиб боқмайди, Гажагини тақмайди, Ишламаган дангаса Кўпчиликка ёқмайди.* «Қўшиқлар».

3 *сфт.* Эгилган, қайрилган. *Думи гажак ўрдак.* ▬ *Кўпларнинг қўлларида дастаси гажак, кунгурадор ҳасса, лабларида жимжима муштук.* Ҳ. Назир, Ҳайкал. *Камолхонов, илтимосига «хўп» деган жавобни кутиб, савол аломатидай гажак бўлиб турганида, телефон жиринглаб қолди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун. *Ўйнаб, думини гажак қилиб, сағрисига ташлаб, Гаждумбек* [*от*] *кетиб бораётибди.* «Гўрўғли».

ГАЖАКДОР [*ф.* کجکدار – гажакка эга] **1** Гажаги бор, гажакли. *Кўнгил қўйгани у кўзлари хумор, Сизга келин бўлар Нигор гажакдор.* «Нигор ва Замон» *Шу пайт дарвозадан хўппа семиз, юзлари кепчикдай, гажакдор сатанг хотин ҳарсиллаб-гурсиллаганча савлат тўкиб кириб келди.* Газетадан.

2 *кўчма* Бежама, серҳашам. *Гажакдор хат.* ▬ *..тагига эса: «Ўзингизнинг Каримжонингиз», деб гажакдор қилиб ёздик.* «Ёшлик».

ГАЖАКЛИ *қ.* **гажакдор.**

ГАЖИМ Рўмол, дарпарда, дастурхон, сочиқ каби нарсаларнинг зиҳига тикиладиган ёки ўзидан титиб чиқариладиган шокила; попук. *Ғижим рўмол бошимда, Гажимлари қошимда, Отам сенга бермайди, Ўн беш яшар ёшимда.* «Қўшиқлар». *Чўнтагига духи сепилган, чети гажим рўмолча солиб қўйишди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ГАЖИМДОР Гажими бўлган, гажимли. *Гажимдор дастурхон.*

ГАЖИМЛИ *айн.* **гажимдор**. [*Шарофат*] *Бошида гажимли қора рўмол, бир елкаси билан деворга суяниб.. маъюс бир қиёфада ўтирар эди.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГАЖИР Жангари, қайсар, ўжар. *Гажир бола. Гажир от.*

ГАЖИРЛИК: гажирлик қилмоқ Ўжарлик, қайсарлик қилмоқ. *Ўшанда Эломонов кўп кутди, лекин Тошпўлат келмади, гажирлик қилди.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш. *Гажирлик қилма, ўттиз кило деяпти-ку Нишонбой ака!* [*деди Қодир*]. «Ёшлик».

ГАЗ I [*ф.* گز – тахминан 105 см га тенг узунлик ўлчови ва шу узунликдаги чўп] *эск.* **1** Метрик система қабул қилинганга қадар ишлатилган, 0,71 метрга тенг узунлик ўлчови бирлиги; аршин. *Нуриой, ойингиздан тўрт газ чит олиб берасиз, албатта.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бердибой тепанинг мўлжалга келган жойидан ўн беш газ чамаси*

жойни кесиб туширди. А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

2 Шу узунликдаги ўлчов асбоби. *Букма газ.* ■ *Ҳинди қўлидаги газни пештахтага қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Турсунбой очилган қўриқни аввал қадам-бақадам, сўнг газ билан ўлчаб кўрди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Ўз гази билан ўлчамоқ Бирор ишга, ҳодисага ўзича, ўз нуқтаи назари билан баҳо бермоқ. *Ҳамма нарсани ўз гази билан ўлчайдиган Абдураҳим, ўзи ёлғончи бўлгани учун, ҳеч кимнинг гапига ишонмайди.* «Муштум».

ГАЗ II [*фр.* gaz < *юн.* chaos – бетартиблик] **1** Зарралари ўзаро кучсиз боғланган, бўшлиқни бир текис тўлдириб турадиган енгил модда. *Заҳарли газ. Газ баллони.* ■ *Кечаги боржом оғзи очиқ қолипти, гази чиққандан кейин, бир пулга қиммат.* А. Қаҳҳор, Санъаткор.

2 Ёқиш, ёритиш, иситиш ёки двигателларни ҳаракатга келтириш учун ишлатиладиган газсимон модда; олов. *Колхозчиларнинг уйларига газ киради. Жуда яхши!* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

3 *қ.* **газплита**. *У [Ёдгор] ошхонага кириб, чойгумни газга қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Газ бермоқ Акселераторни босиш билан машина тезлигини оширмоқ. *Йигит газ бериб, олдида кетаётган юк машинани қувиб ўтиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Танкчи қаттиқ газ бериб, олдинга юрди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат.

ГАЗ III [*фр.* gaze – шаффоф шойи] Юпқа шаффоф ипак газлама; ҳарир. *Бир кўйлаклик газ. Газ рўмол.*

ГАЗ IV [*ф.* گز] **1** *айн.* **юлғун.**

2 *эск.* Камоннинг патсиз ўқи.

ГАЗА *шв.* Адир, дўнг, баландлик. *Кўп гапиргандан кўра, қўлингга белни ол-да, газага чиқ.* «Ёшлик». *Бугун катта газанинг мачитида гап бўлди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Очил буларнинг юриш қилганини кўриб.. бир газанинг панасига ўтди.* Фозил шоир, Очилдов.

Оч газа Икки чўққи, дўнг оралиғи.

ГАЗАК I Яранинг, шикастланган жойнинг яллиғланган, йиринг олган ҳолати. *Халқ жуда кўп шишларни пахтадоғ билан даволайди. Агар бу шиш газак шиши бўлса, пахтадоғ фойда қилади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

Газак олмоқ 1) *айн.* **газакламоқ 1**. *Қулоғимнинг яраси газак ола бошлади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) *кўчма* Ривожланиб, хунук оқибатлар келтириб чиқармоқ. *Радиодан эшиттирилган кичкина хабар туфайли бошланган жанжал газак олиб, катталашиб кетди.* «Муштум». *Аъзамжон бу гаплар шунчалик газак олиб кетишини ўйламаган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ГАЗАК II [*ф.* گزک – мусаллас, шароб ичилгандан кейин ейиладиган енгил овқат; گزیدن – «тишламоқ» феълидан] Ичкиликдан кейин ейиладиган егулик; иштаҳа очар енгил овқат. *Нусратбек газагига ҳеч нарса емай, шишаси терлаб турган муздай сувдан пиёлага қуйиб олди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

Газак қилмоқ Емоқ, тановул қилмоқ. *Кейин, Ҳакимжон ликобчага солиб қўйган жиззадан битта-битта газак қилишди.* Ў. Усмонов, Қисмат. **Газак ҳам бўлмайди** Сира ҳам кифоя қилмайди, жуда ҳам оз. *-Анави куни юборган пахтангиз газак ҳам бўлмади, – деди Аҳмад Жўрага.* С. Шокаримов, Уруғаймоқлар.

ГАЗАКЛАМОҚ 1 Газак олмоқ, йиринг боғламоқ. *Яра газаклабди.*

2 *кўчма* Кучаймоқ, зўраймоқ, жиддийлашиб кетмоқ. *Дилсиёҳлик газаклаб кетди. Нарзи тоға изза тортди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Фисқу фасод газаклаб кетса, хунук бўлади.* Н. Норматов, Исмоил тоға тарозиси.

ГАЗАН [*ф.* گزند – зарар, зиён] Косибларнинг чарм қирқадиган махсус пичоғи. *Тоғам Эгамберди қўлимдан газанни йириб оладида, қиймаланган чармларни йиғиштиради.* Ойбек, Болалик.

ГАЗАНДА [*ф.* گزنده – чақувчи; заҳарли] **1** Ари, илон, чаён каби чақадиган жониворларнинг умумий номи. *Газандалар чақиб олса, райҳон баргини эзиб суркалган.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *кўчма* Шундай нарсаларга нисбатланган одам; ўтакетган ёвуз, қабиҳ, ярамас. *Адашевнинг ёлғиз ўзи 50 дан ортиқ газандани қириб ташлади.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *Мен нодон сендай газандага ишонганим учун етарли жазоландим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Азоб кўриб ширин жоним бу танда, Отингнинг тизгинин тортгин, газанда!* «Муродхон».

Газанда ўт *айн.* **чаёнўт**.

ГАЗАНДАЛИК Газандага хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Умарали совунчининг неварасида Шоқосим, анча нобоп бола чиққанидан хабарим бор. Аммо бунчалик газандалигини билмасдим.* Мирмуҳсин, Умид. *Унинг газандалигини фош қилиш учун аввал ўзимни эҳтиёт қилишим керак.* «Шарқ юлдузи».

ГАЗАТ *шв.* Икки ўркачли туя.

ГАЗЕТ *с.т.* Газета. *Лекин маҳалламизда газет ўқийдиган бир шумтака бор.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёзлик чойхонанинг атрофига чий тутилиб, ҳар ер-ҳар еридан туйнук қўйилган, бу туйнукларга газет, қоғозлар ёпиштирилган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГАЗЕТА [*итал.* gazzetta – чақа пул] Ҳаётнинг турли соҳаларига оид воқеа-ҳодисаларни ёритадиган, шунингдек, сиёсий-ижтимоий ва илмий-оммабоп мақолалар босиладиган вақтли нашр. *Кундалик газета. «Миллий тикланиш» газетаси.* ▬ *Белявский ҳозир газетани унга кўрсатмоқчи эмас.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тушлик пайтида одамларга газета, журналлардан турли янгиликларни ўқиб берарди.* Т. Ашуров. Оқ от. *Кимдир газета ўқиб ётипти.* С. Кароматов, Олтин қум.

Деворий газета Бирор ижтимоий ташкилот ёки муассасанинг қўлда ёхуд машинкада ёзилиб, деворга осиб қўйиладиган газетаси. *Бундан бир йил бурун шу чойхонанинг деворий газетасида «Сўнгги саводсиз» сарлавҳаси билан бир мақола босилган эди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

ГАЗЕТАЧИ *с.т.* **1** Газета ходими, газета таҳририятида ишловчи киши. *Газетачилар ҳамиша одамлар орасида бўладилар.* М. Жўра,Ноширнома. *Озод Авлиёқулов газетачидан чиққан ёзувчи.* «Ёшлик».

2 Газета тарқатувчи, газета сотувчи.

ГАЗЕТХОН [газета + *ф.* خوان – ўқувчи] Газета ўқувчи, газетани канда қилмай ўқиб юрадиган одам. *Газетхонларнинг биронта ҳам саволи жавобсиз қолмаганди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ГАЗЕТХОНЛИК Газета ўқиш, газета ўқиш билан машғул бўлишлик.

ГАЗЕТЧИ *с.т.* Газетачи. *Ёқубжон деган газетчи укамиз бор. Одамнинг жонидай йигит.* М.М.Дўст, Лолазор.

ГАЗИК [*р.* ГАЗ < «Горький автомобил заводи» бирикмасининг қисқартмаси] *с.т.* ГАЗ русумли автомашина. *Бир овчи керак нарсаларни ғамлаб, узоқ чўлга овга отланади. Ошналари газик машинада уни айтган жойига олиб бориб қўядилар.* Ҳ. Аҳмар, Энгр чашмаси. *Газик келиб, соҳилдаги баланд йўл чеккасида тўхтади.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ГАЗЛАМА Тўқиб ёки бошқа йўл билан тайёрланган мато; газмол. *Ип газлама. Газлама ишлаб чиқариш.* ▬ *Йўлчи уч ҳафтадан бери шаҳарда.. ҳар куни аравада газлама ташийди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГАЗЛАМАФУРУШ [газлама + *ф.* فروش – сотувчи] *эск.* Газлама савдоси билан шуғулланувчи; баззоз.

ГАЗЛАМОҚ I Газ билан ўлчамоқ, газлаб ўлчаб кўрмоқ. *Ҳар киптининг ораси газласангиз чиқади ўн саккиз газ.* «Нурали». *Сизнинг соянгизда газламани газлаб ётибмиз. Аммочи, ака, газлама ҳам резинкадай гап экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

ГАЗЛАМОҚ II Суюқликни газ билан тўйинтирмоқ, суюқликка газ бермоқ. *қ.* **газ** II.

ГАЗЛАШМОҚ Газ билан таъмин этилмоқ (саноат корхоналари ва тураржойлар ҳақида). *Нечоғлиқ газлашибдур шаҳру қишлоқ, Бутун меҳнаткаш элнинг кўнгли порлоқ.* Ҳабибий.

ГАЗЛАШТИРМОҚ Саноат корхоналари ва тураржойларни газ билан таъминламоқ. *Қишлоқларни газлаштирмоқ.*

ГАЗЛИ I Газ узунлигидаги (*қ.* **газ** I **1**). *Сўнгроқ тепанинг ўртасидан катта доиравий қадди етти газли бир супа қилиб, устига бир шийпон солади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ГАЗЛИ II Ичида гази бор, газланган, газ билан тўлдирилган ёки тўйинтирилган. *Газли сув. Газли баллон.*

ГАЗМОЛ *с.т. айн.* **газлама.** *Унинг* [*Ҳасаналининг*] *ҳужраси Отабекники билан бир қаторда бўлиб, газмол, пойабзал ва шунинг сингари моллар ила тўлган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ГАЗНИҚОБ [газ + ниқоб] Зарарли нарсалардан юзу кўзни асрайдиган фильтрли ниқоб. *Бурчакдаги столда кимёвий дорилашга оид буюмлар, плакатлар; қозиқда газниқоб.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳамма газниқобни кийиб, йўлда давом эта берди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ГАЗОГЕНЕРАТОР [газ + генератор] Қаттиқ ёки суюқ ёқилғиларни ёнувчи газга айлантирадиган аппарат. *Янги газогенератор.*

ГАЗОЛИН [*фр.* газ + *лот.* oleum – ёғ] Табиий нефтни ҳайдаш ёки саноат газларини ажратиш усули билан олинадиган суюқ ёнилғи.

ГАЗОН [*фр.* gazon – майсазор] Парк, боғ, биноларнинг олди ва ш. к. жойлардаги ўт экилган ер, майдон; майсазор. *Трамвай Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносига яқинлашганда, Малоҳат сакраб тушди-да, гулзорларни, газонларни ҳатлаб ўтиб, театр майдонига чиқиб олди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ГАЗОПРОВОД [газ + *р.* провод(ник) – ўтказгич, қувур] Газ манбаидан уни истеъмол қилувчи жойларга олиб борадиган трубалар ва иншоотлар тизими. *Вақти келганда, биз топган газ шу қудуқдан юзага чиқиб, газопровод бўйлаб оқади.* П. Қодиров, Эрк.

ГАЗПЛИТА Газ ёрдамида чой ва овқат тайёрлашга мўлжалланган уй жиҳози. *Уйда бўйи етадиган ҳамма нарсани: газплитами, телевизор қулоғими – барини бурайди, китоб жавонларининг ойнасини очиб ёпади, ичидан китобларни суғуриб олади.* Газетадан.

ГАЗСИМОН Газ хусусиятига эга бўлган, газ ҳолидаги, газга ўхшаш. *Газсимон моддалар.*

ГАЗСУВ 1 *с.т.* Газли сув, газга тўйинтирилган сув. *Газсув ичмоқ.*

2 Газли сув сотиш учун мўлжалланган мослама. *Автомат газсув ёнида навбат кутиб турган Аламазон Азизага, ошиқма, ҳали вақт бор, дегандек ишора қилди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ГАЗЧИ *с.т.* Газ соҳасида ишловчи мутахассис. *Янги хўжалик механизмини жорий этиш туфайли Ўзбекистон газчилари дастлабки йирик муваффақиятни қўлга киритдилар.* Газетадан.

ГАЗЧЎП 1 Узунлиги бир газга тенг ўлчов асбоби. *Анави Холиқ-ку, тоғангга таассуб қилиб, газчўп билан нуқул деворлар, деразаларнинг кирган-чиққанини ўлчайди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Киночилар келиб қарашса, директорлари бирор йигирма қутидаги очилмаган плёнкани очиб, чувалтириб, қўлидаги газчўп билан газмолдай ўлчаётган экан.* М.М.Дўст, Лолазор.

2 Сувоқчиликда девор рахини текис чиқариш учун ишлатиладиган қиррали узун ёғоч асбоб.

ГАЗЎЧОҚ 1 Газплита. *Севаргул паришон ҳолда газўчоқнинг оловини пасайтириб, қозоннинг қопқоғини ёпиб қўйди.* «Ёшлик».

2 Газ плитанинг димлама қисми, духовка. *Холиса газўчоққа товуқларни димлаб қўйган.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ГАЙКА [*р.*] Болтга бураб киритиладиган, машина ва механизмларнинг қисмларини бир-бирига маҳкамлаш учун ишлатиладиган ўртаси тешик деталь. *Болт, гайка ва бошқа буюмларни коррозиядан сақлашнинг энг ишончли усули рух қатлами остидан темир қоплашдан иборат.* «Фан ва турмуш». *Самандаров латтани олиб, икки дона гайка, бир дона тишлик мис парракни кўрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГАЙМОРИТ [*ингл.* Highmore – инглиз врачи ва анатоми Н. Гаймор номидан] *тиб.* Юқори жағ (Гаймор) бўшлиғи шиллиқ пардасининг, баъзан эса суяк деворларининг яллиғланиши (кўпинча гриппнинг асорати сифатида намоён бўлади).

ГАЛ 1 Бирин-кетин содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, бажариладиган ишлар тартиби, навбати. *Бугун менинг галим.* ▬ *Минг бало билан Қутидор қўлини бўшатиб, гал Отабекка етди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Биринчи галда Аввало, биринчи навбатда, биринчи бўлиб. [*Йўлчининг*] *Қорни жуда оч эди. Лекин унга, биринчи галда, сочсоқолини қирдириш машаққати тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эртаси эрталаб Марғилоннинг Қўқон дарбозасидан биринчи галда чиқувчи Ҳасанали бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қаторда эгалланган, ишғол этилган ўрин, навбат.

Гал бермай Бир-бирига навбат бермай. *Улар* [*йигит-қизлар*] *бир-бирига гал бермай, аллақандай воқеани гапиришиб келишаяпти.* С. Анорбоев, Оқсой. **Галга солмоқ** Бирор баҳона билан ишни орқага сурмоқ, овора қилмоқ. **Гали билан** Навбати билан, бирин-кетин, ўз навбатида. *Йўлчи гали билан меҳмонларнинг отларини.. дарахтларга қантариб боғлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 («бу», «шу», «ҳар», «бир» каби сўзлар билан) Сафар, навбат. *Бир гал Дўстмат ҳар сафаргидай иш қидириб кетди-ю, лекин қайтиб келмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гулнор бу ерга келса, Нури ҳар гал бирон оғир юмуш қилдирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГАЛА I [*ф.* گله — тўда, пода, уюр] **1** Бир турдаги қуш, ҳайвон-жониворлар тўдаси. [*Ботирали*] *Шарпага ортиқ парво қилмай, қушлар галасини завқ билан томоша қила бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қушлар галаси безовталаниб, дарё томонга тез учиб ўтди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Бир тўда одам, оломон. *Қизлар галасини кўрган Бозоров от бошини ўша ёққа бурди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Анча йиғилишиб келибди гала баччалар.* «Юсуф ва Аҳмад».

Бир гала Анча, кўп. -*Йигитларнинг рашки ёмон бўлади, эҳтиёт бўл,* — *деб бир гала гапни қулоғига қуйди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин.

ГАЛА II [*фр.* gala] Ўтмишда: Европа подшолари саройида бўладиган тантанали байрам; ҳозирда: от туркумидаги сўз билан қўшилган ҳолда тантанали, ёрқин, халқни, оммани ўзига жалб этувчи томоша. *Гала-концерт.*

ГАЛАГОВ [*ф.* گله گاو — сигир галаси] **1** Ҳайвонлар тўдаси; тўда. *Чиябўри галагов бўлиб келдими, ундан яхшилик кутиб бўлмайди.* С. Муҳиддинов, Невара шаҳар.

2 Буғдой янчишда бир-бирига маташтирилган ҳайвонлар. *Хирмондаги чоллар Бўрига галагов ҳайдаттирмади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

ГАЛАКТИК *астр.* Галактикага оид. *Туманликларнинг биринчи группаси галактик туманликлар деб аталади.* «Астрономия».

ГАЛАКТИКА (Г — *катта*) [*юн.* galaktikos — сутли, сутсимон] *астр.* Қуёшни ва Қуёш системасидаги бошқа сайёраларни ҳам ўз ичига олган, ўзаро умумий тортишиш кучи билан боғланган 200 миллиарддан ортиқ юлдузларнинг улкан гравитацион системаси; Сомон йўли. *Ҳамма юлдузлар ва уларнинг тўпламлари бирликда юлдузларнинг ғоят катта — гигант системасини ташкил этади, бу система Галактика деб аталади.* «Астрономия». *Маълумки, ёшлар техникага, Галактикага, инсон ақлини ром қилувчи ажойиб мўъжизаларга жуда қизиқадилар.* Газетадан.

ГАЛАЛАШМОҚ: галалашиб Гала-гала, тўда-тўда, тўп-тўп бўлиб, тўпланиб. *Болаларнинг қий-чувлари галалашиб учаётган қушларнинг товушларига ўхшаб эшитиларди.* ▬ *Йироқдан — қабристон орқасидан бўри ва шақаллар галалашиб ув тортади.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

ГАЛАНТЕРЕЯ [*фр.* galanterie — назокат, мулойимлик, хушфеъллик] Ясаниш-тусаниш учун зарур бўлган атторлик моллари. *Галантерея магазини.*

ГАЛВАРС Ўзининг ярамас ҳулқи билан ажралиб турадиган шахс; тентак, нодон. -*Қачонгача бировлар сенинг шалтоғингни тозалаб юради, галварс?!* — *деб ўшқирди Шамси Тўраевич.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Ёшроқ муаллим, мана, кўрдингизми бу галварсни, дегандай устозига зимдан бир қараб қўйди.* М.М.Дўст, Лолазор.

ГАЛВАРСЛИК Галварсларга хос хусусият; тентаклик, нодонлик. *Айлантирма гапни бунча, иккаламиз ҳам Ўзимизни галварсликка солмайлик бекор.* А. Орипов, Йиллар армони.

ГАЛГИ: **бу галги** Навбатдаги, бу сафарги. *Тўғриси, дадаси хоҳ ёқтирсин, хоҳ ёқтирмасин, Қудратнинг бу галги аҳди қаттиқ эди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Ҳар галги** Ҳар доим, ҳар сафар бўладиган. *Фашистларнинг ҳар галги ҳужуми муваффақиятсиз чиқаверади.* Т. Рустамов. Мангу жасорат.

ГАЛГИДАЙ, дек: ҳар галгидай Ҳар вақтдагидай. *Олахўжа уни ҳар галгидай уйига таклиф қилди. Элмурод ҳам ҳар сафаргидай иш кўплиги, вақт йўқлигини важ қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГАЛДАГИ Навбатда турган, навбатда қилиниши лозим бўлган; навбатдаги. *Галдаги вазифалар.*

ГАЛДИР **1** Бошига ишқ савдоси тушган одам; телба, девона.

2 Халқ куйларидан бирининг номи.

ГАЛДИРАКЛАМОҚ **1** *айн.* **галдирамоқ.** *Мен бечоранинг тилим галдираклаб, арзи ҳол қилдимки, мени ҳам.. қаландарбаччаликка қабул қилсалар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Гандиракламоқ, чайқалмоқ. *Авазбой комиссиянинг сўзларидан кейин бир оҳ урдида, қалқиб, галдираклаб, супага ўтириб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ГАЛДИРАМОҚ Тили сўзга келмай, тили айланмай ғўлдирамоқ; эсанкираб қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ. *Эшон ая ўзини йўқотаёзди. Тили гапга келмай галдиради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Тўғайсари галдираб қолди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ГАЛЕРЕЯ [*фр.* galerie — пешайвон] **1** Бинонинг икки қисмини бирлаштирувчи усти ёпиқ узун йўлак; тураржойдан холи

қилиб солинган, ёнлари очиқ ёки ойнабанд балкон. *Аэропорт ва унинг ойнабандли шаффоф галереялари гўзал безатилган.* Газетадан.

2 Ер остидаги айрим иншоот, қурилмаларни бирлаштирувчи, туташтирувчи тор йўл, йўлак (ҳарбий истеҳком, шахта ва ш. к. жойларда).

3 *эск.* Томоша залида энг юқориги ярус.

4 *кўчма* Қатор, саф-саф тизилган нарса ёки кишилар; силсила. *Адабий типлар галереяси.* ▬ *Уста шу ўн икки паҳлавон галереясини яратди.* Ҳ. Аҳмар, Трансцендент.

Суратлар галереяси Суратлар намойиш қилинадиган бино, музей.

ГАЛИФЕ [*фр.* Galiffet – отлиқ аскарлар учун махсус шим жорий қилган француз генерали Г. Галифе номидан] Этик билан кийиладиган, тиззадан юқори ён томонлари жуда кенг шим. *Галифесининг чўнтагидан дастрўмол чиқариб.. юзларини, бўйнини арта бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ГАЛЛАМОҚ 1 *кам қўлл.* Бирор ишни галма-гал, навбатма-навбат бажармоқ; навбатлашмоқ.

2 *фольк.* Алдамоқ, лақиллатмоқ. *Бой қизжоннинг отасини алданглар, Пули кўп, деб энасини галланглар.* «Ҳасан батрак».

ГАЛЛИЙ [*лот.* Gallia – Франциянинг қадимги номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кулранг нодир металл.

ГАЛЛИЦИЗМ [*лот.* Gallia – Франциянинг қадимги номидан] Француз тилидан бирор тилга ўзлашган сўз ёки ибора.

ГАЛЛЮЦИНАЦИЯ [*лот.* hallucinatio – хом хаёл; алаҳлаш] *тиб.* Бош мия фаолиятининг бузилиши натижасида кўрув, эшитув, сезув, ҳидлов аъзоларининг чалғиши, йўқ нарса ва ҳодисаларни бордек идрок этиш. *Шу чоғ аллаким, ҳамдардлик билдиргандек, астагина кифтидан қучди. «Б-и-е, Зафар шу ерда экан-да, демак, кетган бошқа, галлюцинация шекилли», – ўзини-ўзи овутди у ва ортига ўгирилди.* «Ёшлик». *Фронтда контузия бўлган бир одам ўзининг галлюцинация деган касали ҳақида гапириб берган эди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ГАЛМА-ГАЛ *рвш.* Навбатма-навбат, навбатлашиб. *Чуқурчага ўтин қалаб, чуқурча теварагига Ўроз билан Йўлчи оғизларини нақ тутунга етказиб, тўнқайиб, галма-гал пуфлашарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГАЛОГЕНЛАР [*юн.* hals, halos – туз + genes – туғилган, туғилувчи, пайдо бўлувчи] *ким.* Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб элементлар (фтор, хлор, бром, йод).

ГАЛОИД(ЛАР) [*юн.* hals, halos – туз + eidos – тур, кўриниш; ўхшаш] *айн.* **галогенлар.**

ГАЛОФИТЛАР [*юн.* hals, halos – туз + phyton – ўсимликлар] Шўрадошлар оиласига мансуб, ўта шўрланган, тузли тупроқларда (денгиз қирғоқлари, шўрхоклар каби) ўсувчи ўсимликлар.

ГАЛСТУК [*нем.* Halstuch – бўйин рўмол] Кўйлак ёқаси остидан ўтказиб, олдини тугун ёки бант қилиб тақиладиган мато; бўйинбоғ. *Қодирнинг кўйлаги оқ, галстуги кўк экан.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯ [итальян олими Л. Гальвани (Galvani) номидан] Тиббиётда кучи ва кучланиши паст бўлган ўзгармас электр токи билан даволаш.

ГАЛЬВАНИК [итальян олими Л. Гальвани номидан]: **гальваник ток** Кимёвий реакция натижасида ҳосил бўладиган ток, электр энергияси. **Гальваник элемент** Электролит ва унга ботирилган иккита турли хил электроддан иборат электр токи манбаларининг умумий номи.

ГАЛЬВАНОМЕТР [Л. Гальвани + *юн.* metreo – ўлчайман] Гальваник токни ва умуман кучсиз токларни ўлчайдиган асбоб.

ГАМАДРИЛ [*юн.* hamadryas – ўрмон, дарахтлар илоҳаси] Африкада, қисман Осиёда яшовчи тумшуғи узун, тор бурунли маймунларнинг бир тури.

ГАМАК [*фр.* hamac < индейс тилларидан] Очиқ ҳавода ухлаб дам олишга мўлжалланган осма тўр беланчак. *Дағал канопдан тўқилган гамакда ётсангиз, юмшоқ ўринда ётгандай бўласиз.* «Қизиқарли физика».

ГАМБИТ [*фр.* gambit < *итал.* dare il gambetto – чалиб йиқитмоқ] Шахмат ўйинининг бошида тезроқ ҳужумга ўтиш, қулай вазиятга эга бўлиш мақсадида бир пиёда ёки сипоҳни қурбон бериш. *Шошма қани. Мен сенга шундай гамбит кўрсатайин!* «Ёшлик».

ГАМБУРГЕР [*ингл.* hamburger < ham– дудланган сон гўшти + burger – ичига бирор нарса тиқилган булочка] Тоблаб, қизартириб пиширилган гўшт ёки қайноқ гўштли қийма ҳамда қайла, ошкўклар қўшилган бутерброд.

ГАММА I [*юн.* gamma] **1** *мус.* Бир ёки бир неча октава таркибидаги яқин товушларнинг босқичли, кетма-кет тартиби.

2 *кўчма* Бир-биридан муайян муносабатда фарқланадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи. *Бўёқлар* (*ранглар*) *гаммаси.*

ГАММА II [*юн.* gamma] **1** Юнон алифбосининг учинчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

2 Гамма-нурланиш билан алоқадор бўлган қўшма сўзларнинг таркибий қисми. *Гамма-аппарат. Гамма-астрономия.*

Гамма-нурланиш, гамма-нурлар *физ.* Радиоактив ядролар ва элементар заррачалар парчаланганда пайдо бўладиган қисқа тўлқинли электромагнит нурланиш. *«Чигитга гамма-нурлар бериш вилтга қарши курашдаги асосий омиллардан бири» деган мавзу ҳаммани қизиқтирарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ГАН Ёнғоқ ёки данак ўйинида: маълум шаклда терилган ёнғоқ, данак тўпи, уюми; пулли қимор ўйинларида: пул тикилган жой, ўрта.

ГАНАК Ёнғоқ ёки данак ўйинида тикиладиган ёнғоқ ёки данаклар. *Ганак тикмоқ.* -*Қимор ўйнайсанми? — Ҳа, ганак топилса, эрмак-да.* А. Қодирий. Ғирвонлик Маллавой.

ГАНГ [*ф.* گنگ — эгилган, букилган]: **ганг бўлмоқ** *айн.* **гангимоқ**. *Меҳнаткаш боши ганг бўлди, Зулмдан ҳамма қон бўлди.* «Фольклор».

ГАНГИМОҚ Кутилмаган воқеа, ҳодисадан, фавқулодда ҳолатдан нима қиларини билмай қолмоқ, эсанкирамоқ, саросимага тушмоқ. *Раис уни даст кўтарди-да, давранинг ўртасига келтириб қўйди, Қурбон ота бир лаҳза гангиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гангиб қолган Маҳкам ўзини уқувсизгина мудофаа қиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Боши (*ёки* **мияси**) **гангиди** 1) боши айланди; 2) боши қотди, нима қиларини билмай қолди. *Қўзибой бу янгиликнинг тагига етолмай, йўл-йўлакай ўйланиб, мияси гангиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ГАНГИРАМОҚ *шв. қ.* **гангимоқ**. *Боши гангираб, ўрнидан турган бой яна йиқилиб.. кўчанинг ўртасидаги лойга тушди.* С. Айний, Қуллар.

ГАНГИРБОШ: гангирбош бўлмоқ Эсанкирамоқ, каловланмоқ. *Чертки еб гангирбош бўлган пашша ўзини деворга ё деразага уриб, ерга чархпалак бўлиб тушар эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ГАНГИР-ГУНГУР Кўпчиликнинг қизғин, тортишувли суҳбатидан ҳосил бўлган шовқин. *Деразалар ланг очиқ эди, гангир-гунгир гап-сўзлар ҳовлига баралла эшитилиб турарди.* «Ёшлик». *Султонмурод.. гангир-гунгур суҳбатга қулоқ солиб ўтирди.* Ойбек, Навоий.

ГАНГИТМОҚ Гангимоқ фл. орт. н. *Ойсулувнинг жавоби уни гангитиб қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ГАНГРАМОҚ *айн.* **гангирамоқ.** *Бироқ уларни ака дейишимниям, отларини айтишимниям билмай гангградим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ГАНГРЕНА [*юн.* gangraina — ириш, чириш] *тиб.* Биологик тўқима ёки бирор аъзонинг қон таъминоти бузилиши оқибатида жонсизланиб, тириклайин ириб нобуд бўлиши, чириши; қорасон. *Чап қўлининг кесилган жойидан гангрена бошланибди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ГАНГСТЕР [*ингл.* gangster — бандит] Уюшган жиноятчилар гуруҳининг иштирокчиси; босқинчи, бандит.

ГАНДА [*ф.* گنده — бадбўй; ачиган, чириган] Ахлат, нажас. *Жанда бўлса бўлсин, ганда бўлмасин.* Мақол. ▬ *Яқин фурсатда ёв шарманда бўлгай, Палид жисми титилгай, ганда бўлгай.* Ҳабибий.

ГАНДБОЛ [*ингл.* hand — қўл + ball — коптоk, тўп] *спрт.* Қўл тўпи. *Комплексда волейбол, баскетбол, гандбол майдончалари бор.* Газетадан.

ГАНДИРАКЛАМОҚ Мувозанат сақлай олмай, чайқалиб, энтак-тентак қадам ташлаб юрмоқ. *Турғуной маст кишидай гандираклаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Бобур айвон эшигига қараб чопди. Лекин эшик олдида гандираклаб йиқилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ГАНЖ [*ф.* گنج — хазина, кон, бойлик] **1** *кт.* Олтин, кумуш; жавоҳир; хазина. *Ўлтурур маҳрамни султон, ганж пинҳон айлагач.* Навоий. *Не иложким, давлатим йўқ Ганжи меҳримдин бўлак..* Э. Воҳидов.

2 кўчма Бойлик, мол-мулк, давлат; қадрқимматли нарса.

ГАНЖИНА [*ф.* گنجينه — хазина, омбор] *қ.* **ганж 1**. *Мирзачўл мамлакатимизнинг пахта ганжинасига айланди.* Миртемир. *Эй,*

Шаҳрихон, жонажон маскан, Эй, тупроғи ганжина диёр. М. Али.

ГАНТЕЛЬ [*нем.* Hantel] *спрт.* Калта даста билан бирлаштирилган иккита чўян шардан иборат гимнастика асбоби. *Гантелда машқ қилмоқ.*

ГАНЧ [*ф.* گچ – алебастр; бўр] Алебастрнинг бир тури; сувоқ, нақш учун ишлатиладиган қурилиш материали. *Ганч қормоқ.*

ГАНЧКОР [*ф.* گچکار – сувоқчи; ганчдан қилинган] **1** *от* Ганчдан нақш ясовчи уста, ганчсувоқ устаси. *Отаси уста Мурод ҳам, бобоси уста Носир ҳам Бухоронинг кўзга кўринган ганчкорларидан бўлган.* Газетадан.

2 *сфт.* Ганчланган, ганч билан ишлов берилган. *Ганчкор уй.* ▬ *Буфетнинг ганчкор, ойнаванд зали одамга тўла эди.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

ГАНЧКОРЛИК **1** Ганчкор касби; ганч ўймакорлиги билан шуғулланиш. *Маълумки, нозик ва нафис ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, ранг-баранг наққошлик намуналари халқ меъморчилиги тараққиётини, унинг замонавий услуб хусусиятларини кўрсатувчи бадиий воситадир.* Газетадан.

2 Амалий санъатнинг ганчда ишлаш билан боғлиқ соҳаси; бадиий ҳунармандчилик тури.

ГАНЧЛАМОҚ Ганч билан сувамоқ, ганч сувоқ қилмоқ. *Деворни ганчламоқ.*

ГАП I [*ф.* گپ – қуруқ сафсата; мақтанчоқлик; сўз] **1** Сўзлар орқали баён этилган фикр; сўз, нутқ. *-Сиз тушунмай ётибсиз! – деди Кумуш ва эшикдан оёқ товушини сезиб, гапни шу ерда тўхтатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Бу ерда гапимга ҳеч ким қулоқ солмаса, райкомга бораман! – Тўпанисо шу гапни айтди-ю, рўмолини бошига солиб, уйдан чиқиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Нутқ воситасида ифодаланган фикр, ўй, мулоҳаза. *Ғуломжон ғалати бўлиб кетди. Кўнглига: «Наҳотки, худо балоларни менга гоҳ пари, гоҳ дев сифатида юборса!» – деган гап келди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Маълумот, шингил ахборот, хабар; миш-миш. *Ёдгор замонавий Италия архитектурасига оид гапларни яна ўқишга тушди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Умуман бирон иш, воқеа-ҳодиса ва ш.к. *Оламда нима гаплар? Ўлимдан хабарим бор-у, бу гапдан хабарим йўқ.*

5 Гина, кудурат. *Кўнглингизда шунчалик гапингиз бор экан, ота-онам шунчалик жонингизга теккан экан, бир оғизгина, «ҳай хотин, мен сиқилиб кетдим, уй ажратиб чиқиб кетайлик», десангиз бўлмасмиди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 *тлш.* Тугал фикр англатган сўз ёки сўзлар бирикмаси. *Бош гап. Содда гап. Кўчирма гап. Гап бўлаклари.*

Гап билан бўлиб Гапга берилиб, эзмаланиб, кўп гапириб. *Булар гап билан бўлиб, хийла орқада қолиб кетишди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Гап бир жойдан чиқди** Ҳамманинг гапи, маслаҳати бир хил бўлиб чиқди. **Гап бу ёқда** Масала бошқа тарафда. *Гап бу ёқда экан-да! Ҳалитдан йигитларга салом хат ёзишга уялмаган зумраша!* **Гап бундай** Энди шундай. *Гап бундай, қани яқинроқ ўтир-чи.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Гап бўлмоқ** Бошқалар муҳокамасига тушмоқ, гап-сўз бўлмоқ. **Гап йўқ** 1) ажойиб, жуда зўр. *Каримга гап йўқ, у ўз ишининг устаси*; 2) албатта, бошқача бўлиши мумкин эмас. **Гап келганда, отангни аяма!** Танқидий фикр бўлаётганда, ҳеч кимни юзхотир қилма. *-Мажлисда катта-кичик деган гап бўлмайди, гап келганда, отангни ҳам аяма! – деди Сафаров.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Гап ковламоқ** Гапни айлантириб, турли маълумотлар олмоқ. *Нима қиласиз гап ковлаб! Ундан кейин, бу гаплар ҳам орага совуқчилик солса солар-ку, лекин менинг колхозга кириш ниятим совуқчиликни аллақачон солиб қўйган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Гап кўп** Қандайдир муаммо, сирли нарса бор. *Энди пахтани нимага кузда сотмай, ёзда сотаётганига келсак, бунинг тагида гап кўп.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Гап кўтара олмайдиган** Танқидга чидамсиз, жиззаки, *Тўғри, сизнинг гап кўтара олмаслигингизни биламан. Лекин, нима қилай, гап келганда, отамни ҳам аямайдиган одатим бор.* «Муштум». **Гап орамизда қолсин** Ўртамиздаги гапни, бу нарсани ҳеч ким билмасин. *Мен, албатта, ишонмадим. Рост бўлган тақдирда ҳам.. ҳи-ҳи.. бу гап орамизда қолсин..* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи. **Гап отмоқ (***ёки* **қотмоқ, ташламоқ)** Тегишиб ёки жаҳлини чиқариш учун киноя, кесатиқ маъноли гап, сўз айтмоқ; пичинг қилмоқ. *-Ҳорунбек, иним, сиз нима дейсиз? – гап қотди меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Гап очмоқ** Гап бошламоқ, гапир-

моқ, сўзламоқ. *Шароф Рашидович Отамурод билан сўрашгач, ипак пахта етиштириш истиқболларидан гап очди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ифторни қилиб чиққан Маҳмуд Тоҳирга дарвоза олдида учради. Робиянинг акаси бўлган бу косиб йигит Андижон қўрғонига кетишдан гап очган эди: -Э, бу ниятлар ҳаммаси пучга чиқди! — деб Тоҳир унга тоғасидан эшитганларини айтиб берди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Гап сотмоқ** 1) бўлар-бўлмас, кераксиз гаплар гапиравермоқ, кўп гапирмоқ; 2) гапирмоқ, сўзламоқ. *Бир жангчи ҳозиргина рўй берган шовқинсурон тўғрисида гап сотаркан, у овқатини бемалол еб, ўрнидан тургач, этигининг қўнжи қонга тўлганини пайқади.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Гап тагида гап бор** Бу гап заминида қандайдир нарса, гап бор. *Йўқ, Софья Борисовна, сиз сабр қилинг, мен тахминан фаҳмлаяпман, гап тагида гап бор..* [*деди Эргаш*]. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Гап талашмоқ** Ўзаро бир фикрга келиша олмай баҳслашмоқ. *Мана шунақа гап талашиб қолишса, илжайиб туриб, бир-бирини гап билан савалаб кетишади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Гап тамом!** Ҳаммаси аниқ бўлди; иш битди, бўлди; ортиқча гапга ҳожат йўқ. *Чавандоз «гап тамом!» деган маънода қамчисини қўлига олди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Гап тамом. Бошқа саволга ўрин қолмади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Гап ташимоқ** Бирор ерда айтилган фикрни иккинчи ерга, бошқа кишига етказиб турмоқ; чақимчилик қилмоқ. **Гап тегизмоқ (***ёки* **тегдирмоқ)** Бировни танбеҳга дучор қилмоқ, танбеҳ олишига сабаб бўлмоқ. **Гап тегмоқ** Танбеҳ эшитмоқ, танқидга учрамоқ *-Қани.. Ҳа, ундан кейин, ўртоқлар, — деб яна изоҳ берди Алимқул, — қўл қўйиш масаласида менга юқоридан ҳам, пастдан ҳам бир оз гап тегиб қолаётибди..* П. Турсун, Ўқитувчи. **Гап тўқимоқ** Бирор шахс ёки нарса ҳақида уйдирма, ёлғон-яшиқ тўқимоқ, тарқатмоқ. *Унинг* [*Йўлчининг*] *«ахлоқсизлиги» тўғрисида* [*Салимбойвачча*] *бирмунча гаплар тўқиди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап бунда** (*ёки* **унда**) **эмас** Бу асосий масала эмас. *-Гап унда эмас, — деди ҳожи, — умр, муроса деган гаплар бор..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Гап шу ерда қолсин** *қ.* **гап орамизда қолсин.** *-Лекин гап шу ерда қолсин, дурустми? — элликбоши қоронғи кўчага чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап шу** Хулоса шу, бўладиган гап шу. *-Сиз менинг кўнглимни билмайсиз, Ўрмонжон ака. — Кўнглингни билиб қолармиз. Колхоз нима эканлигини сен ҳам билиб оларсан. Гап шу: ҳеч қаёққа бормайсан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Гап эшитмоқ** Бошқалардан танбеҳ олмоқ. *Сени деб ўқитувчидан мен гап эшитдим.* **Гап ўтмоқ** Икки киши орасида паст-баланд гап бўлиб ўтмоқ. *Шу қий-чув ичида Мирзакаримбой билан хотини ўртасида бир оз аччиқтизиқ гап ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап ўғирламоқ** (*ёки* **термоқ)** Бошқаларнинг айтганларидан уларнинг фикр-ниятларини билиб олмоқ. **Гап қайтармоқ** Ўжарлик, қайсарлик қилиб, сўзга кирмаслик. *Гап қайтарганингиз учун яна беш кун қўшаман. Йигирма кун ишлаб берганингиздан кейин келасиз.* Х.Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Гап қилмоқ** 1) ҳамма ерда гапирмоқ, гап тарқатмоқ. *Бошларига ҳеч тушмаса можаро, Ҳамма жойда гап қилмаса фуқаро.* Ҳ. Олимжон. *-Тағин одамлар буни ҳам гап қилиб юришмасин! — деди Тожибой.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) бирор шахс ҳақида нотўғри фикр тарқатмоқ. *-Сизни Зиёдахон билан гап қилдим, — деди Қори Ўрмонжонга.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Гап қистирмоқ** Айтилаётган сўз, нутқ орасига луқма киритмоқ. *-Рўзимат ука, яхши, гапингга яна битта гапни қистириб ўтгин.. — деди Қамбарали ака.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Гапга бичган** *ёки* **онаси гапга туққан** Гапга уста, гапдон, маҳмадона. *-Абдишукурни худо гапга бичган, енгиб бўлмайди, — деди Жамолбой пихиллаб.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гапга кирмоқ** Сўзга қулоқ солмоқ, бўйсунмоқ. *Ҳазратқул ювош, нима деса, гапга кирадиган боладан бунақа гап чиқишини сира ўйламаган эди, гангиб қолди.* С. Аҳмад, Юлдуз. **Гапга солмоқ** 1) яхши гап билан йўлга солмоқ. *Аҳмоқни урма, сўкма, гапга сол.* Мақол; 2) гап билан банд қилмоқ; турли сўроқлар бериб, воқеани аниқламоқ. *Ўтган-кетган кампирларнинг қўлига чой тутқазиб, гапга солади.* «Муштум». [*Кампир*] *Келинларни ўсмоқчилаб гапга солар, эшитганларини эрига сўзлар, чол эса дарров Қоратойга етказар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гапга тўн кийгизмоқ** Бежаб гапирмоқ, муболағали гапирмоқ. *Оббо сиз-эй.. Хўп гапга тўн кийғизасизда..* Н. Сафаров. **Гапдан гап чиқиб** Гап бирбирига уланиб. *Гапдан гап чиқади, деган-*

ларидек, нонушта пайтида бек тўсатдан меъморга мурожаат этиб, бу ерда бирон ой қолиш иложи йўқмикан, муҳим бир илтимос, узримиз бор эди, деди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Гапдан гап чиқиб, одамзоднинг пасткаши қанақа бўлишига бориб тақалди.* С. Аҳмад. **Гапидан илинмоқ** *қ.* **илинмоқ. Гапи оғзида қолмоқ** Бирор сабаб билан сўзлаётган вақтида тўхтаб қолмоқ; гапи узилмоқ. *Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очиқ лаби титради.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Гапим гап** Сўзим бир, аҳдим ягона, қатъий. *Йўқ, ҳалиги гапим гап.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Гапини бировга бермайдиган** Ўзининг гапини маъқуллайдиган, ўзини билағон ҳисоблайдиган. *Шаддод, гапини бировга бермайдиган, эркакшода Асрора звенога бошлиқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Гапини икки қилмаслик** Илтимос ёки таклифни сўзсиз бажаришлик. *Иноят оқсоқол ёшлигидан бир гапини икки қилмаган қизини бунақа харжлардан тиёлмасди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Соҳиб қори яна пўписа қилди: -Гапимни иккита қилсанг, сендай қизим йўқ! Билиб қўй шуни.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Гапини йўқотиб қўймоқ** Маълум руҳий таъсир натижасида фикрнинг давомини унутиб қўймоқ; эсанкираб, нима дейишини билмай қолмоқ. *-Йўқ, мен ҳаммаси демоқчи эмасман, баъзи бирлари, — деди Бўтабой ака ва гапини йўқотиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Гапини олмоқ** 1) бирор нарса, иш ҳақида ўзганинг фикрини, мақсадини билмоқ. [*Қосим:*] *Тезроқ ўзим бориб, терговчининг гапини олай, фалокат босиб, ишнинг миси чиқиб қолмасин.* «Муштум»; 2) маълумот олмоқ. *Кампирдан бошқа ортиқча гап ололмагач, у* [*қўшни хотин*] *ингичка бўлиб, бурилиб чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид. **Гапини оғзидан олмоқ** (*ёки* **илиб кетмоқ**) Сўзлаб турган кишининг гапини тўхтатиб, ўзи гап бошламоқ. *-Бизлар билан кўлга овга чиқинглар, — деди у Жапақнинг гапини оғзидан олиб.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Гапни айлантирмоқ** Суҳбат йўналишини бошқа тарафга бурмоқ. *Алимардон ҳаммаси тамом бўлганини янада чуқурроқ ҳис этди. Гапни айлантириб ўтиришдан фойда йўқлигини билиб, кўнглидаги бор гапни айтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Гапни бир ерга (***ёки* **жойга) қўймоқ** Бир маслаҳатга келмоқ, келишмоқ. **Гапни (бошқа ёққа) бурмоқ** *қ.* **гапни айлантирмоқ.** *Икромжон гапни бошқа ёққа бурворди.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Гапни бошқа ёққа бурмоқчисиз-а, хап сизними! Хотинлардек ҳийлакори бўлмас экан дунёда, — деб уни гапга солмоқчи бўлдим.* Ойдин, Ҳикоялар. **Гапни бўғмоқ** Бир кишини сўзлашдан тўхтатмоқ. *Ҳикматилла яна гапга киришган эди, Зойиржоннинг ёнида ўтирган Наргиза ўрнидан туриб кетди. Оппоқ юзи жаҳлдан қизариб, тез-тез гапириб ташлади: -Нега бировнинг гапини бўғасиз*! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Гапни чуваламоқ** Бирор нарсани билиш учун гапни чўзмоқ. *Нури бу йигит тўғрисида кўпроқ нарса билишни исташ билан баравар, бу қизнинг унга муносабатини очиш каби яширин бир ният билан гапни чувалади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гапнинг белига тепмоқ** Суҳбатга ҳалал бермоқ, суҳбатни бузмоқ. **Гапнинг мағзини чақмоқ** Масаланинг моҳиятига тушунмоқ. *Бувниса хола, Салтанат Маҳкам акаларникига кириб кетгандан сўнг, гапнинг мағзини чақди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. **Гапнинг очиғи** Тўғрисини айтганда, тўғриси. *Лекин, гапнинг очиғи, Каримовнинг ҳам аҳволи паришонроқ эди.* «Муштум». *Гапнинг очиғи, мана шу ҳовли сеники.* У. Исмоилов, Сайланма. **Гапнинг пўст калласи** Хулласи калом, хуллас. *Гапнинг пўст калласи, дўстинг Хўжақул ҳам Ҳамроқул Турсунқулов бўлишни бир орзу қилган эди-да, оғайни*! О. Ёқубов, Учрашув. **Гапнинг тагига етмоқ** Бирор воқеа-ҳодисанинг асл сабабини аниқламоқ; масаланинг туб моҳиятига тушуниб етмоқ. **Гапнинг қисқаси** Хулласи калом. **Ана шунақа гаплар** Ишлар шундай. *-Ана шунақа гаплар, Сидиқжон, шунақа гаплар. Йигирма бирни бир қилишимиз керак, бир! — деди ва ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бир гап бор** Бирор сирли нарса мавжуд, қандайдир маълум бўлмаган нарса бор. *Изланишларим шунга келиб тақалди, демак, михда бир гап бор.* «Фан ва турмуш». *-Бунда бир гап бор, — деди Ольга Петровна, курсидан туриб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Бир гап бўлар** Охири бир натижа билан якунланар. *Қани, турларинг, лапашанглар, қоринни тўйғазиб олайлик, кейин бир гап бўлар.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Масалан, беш ҳўкиздан бир қўшни, боғли ерларнинг ярмини ўғлига ажратса, унинг юки анча камаяди. Обжувоз бўлса, майли, бир гап бўлар.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бир гап бўлдими?** Бирор воқеа, ҳодиса содир

бўлдими? *Мансур Муслим! Сенга бир гап бўлдими? ..шундай вақтда иш кўрсатмасак, қачон кўрсатамиз?!* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Бошқа гап эди** Бошқача иш тутиш мумкин эди. *Бу кампирнинг устидан қаёққа дод деб бораман, бирон жойда ишласа, бошқа гап эди.* «Муштум». **Бу бор гап** Бу ҳақиқат, бу аниқ. *Чол бошини буриб, носини туфлади, сўнгра тамшаниб туриб, ишонч билан деди: -Бу бор гап!* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бўладиган гап** Амалга ошиши мумкин бўлган тўғри фикр. *-Низомиддинов, — деди раис ўрнидан туриб, — сиз одамларнинг вақтини олаётирсиз ахир. Бўладиган гапни гапиринг!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бўлмаган гап** Беҳуда, йўқ нарса, асоссиз нарса. *-Риёзиёт бўлмаган гап, ўзини билган кимса бунақа ишлар билан бошини қотириб юрмай, ҳарбу зарбни машқ қилгани маъқул, — деди* [*Иброҳим Султон*]. Мирмуҳсин, Меъмор. **Бўладиган гап шуки** *қ.* **гапнинг пўст калласи.** *Бўладиган гап шуки, камбағаллар мажлис қилиб, сизнинг хўжалигингизни тугатишга, ўзингизни Капсанчилар қишлоғидан бадарға қилишга қўл кўтаришди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Дув-дув гап** Бирор воқеа, ҳодиса ҳақида миш-миш. *Кунлардан бир куни маҳаллада дув-дув гап бўлиб қолди: «Мухторхон домла уйланармишлар!»* А.Қаҳҳор, Тўйда аза. **Икки гапнинг бирида** Ҳар бир гапида, мунтазам, доимо. *Бувим ҳам, болалар ҳам икки гапнинг бирида «кал», «Ҳожикал», деб камситишади* [*деди Саид*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Икки гапнинг бирида пешонасига уриб, гоҳ бўғилиб ва гоҳ қотиб-қотиб кулиб, одамларни кулдириб ҳикоя қилди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. **Катта гап** 1) катта, муҳим масала, иш; 2) *кўчма* ўз имкониятидан ташқари гапларни гапирадиган қуруқ одам. **Кўнглингизга (бўлак) гап келмасин** Хафа бўлманг, кўнглингиз оғримасин. *Мезбонлар дилсиёҳлик кайфиятини яширишга уринишди, аммо ётар маҳалигача бу бир неча мартаба юзага чиқди ва, оқибат, меҳмоннинг кўнглига бўлак гаплар келмасин учун, икки орада ўтган гапни айтишга мажбур бўлишди.* А. Қаҳҳор, Мирзо. **Майда гап** 1) турли хил иккинчи даражали гап-сўз. *Қани, шулардан бирини анҳор бўйига ташлаб, барча майда гапларни унутиб, кўнгилга яқин чор улфатинг билан отамлашсанг.* «Гулдаста»; 2) шундай гапларни кўп гапирадиган шахс; вайсақи; иғвогар. **Нима гап?** Нима бўлди, нима янгилик? *Қишлоқларда нима гаплар бор экан? Бир суҳбат қил. Аста-секин сўра сен.* Ҳ. Олимжон. **Нима гапу нима сўз** Нима бўлади-ю, нима қолади. *У аллақандай офатни ҳис қилиб, хатга кўз югуртирди. Суннат: «Мени армияга олишди. Уч йилгача нима гапу нима сўз, йўлингиз очиқ, эрга тегиб кетаверинг. Ҳозир эски замон эмас, бунақа нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўқ», деган мазмунда ёзибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Оғир гап** 1) дилни оғритадиган, кишига озор берадиган гап, хабар; 2) мушкул иш, қийин муаммо. *-Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, — деди Раҳмат ва Отабекка юз ўгирди: —Уйланган хотининг таъбингга мувофиқ келса, бу жуда яхши, йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тайинли гап** Аниқ, маълум, муайян гап, фикр. *Бироқ доктор уни* [*Сидиқжонни*] *қўл учидагина кўрди, дори бермади, тайинли бир гап ҳам айтмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Турган гап** Аниқ, шубҳасиз. *Фурсат бой берилдими, ишнинг кейин кетиши турган гап.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Эртага, турган гап, далага одам чиқмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Хунук гап** Ёмон, совуқ хабар, иш. *Лекин кузда, подани кўчириб қишлоққа тушганимизда, Сайфидан хунук бир гапни эшитдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ўзингиздан қолар** (*ёки* **ўтар**) **гап йўқ** Ўзингизга маълум, сиздан яширадиган нарса йўқ. *Гап ўргатмоқчи эмасман, ўзларидан қолар гап йўқ.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Бу иш кечаси бўлгани маъқул. Кундузи бўлса, ўзингиздан ўтар гап йўқ, хунукроқ кўринади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ўтган гапга салавот** Бўлар иш бўлди, энди бефойда. *Қурбон ота.. Ўрмонжоннинг ёнига чўкка тушиб: -Ўрмонжон, ўғлим, бола бечорага бир ёрдам қилгин, ўтган гапга салавот, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ўғил бола гап** Энг тўғри гап, ҳақиқий гап. *-Ҳа балли! Мана буниси ўғил бола гап бўлди, — деди чол завқланиб.* О. Ёқубов, Қаҳрамон излаб. **Ҳеч гап йўқ** 1) бирор ҳодиса рўй бермади, тинчлик. *Бизнинг орамизда ҳеч гап йўқ, қасам ичаман. Ҳеч гап йўқ! Ҳеч гап бўлмаганидан кейин рашк ҳам бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) ҳеч нарса йўқ. **Ҳеч гап эмас** Қийин эмас, арзимайдиган, осон иш. *Қурбон ота бошлаб берсалар, у ёғи ҳеч гап эмас.* А. Қаҳҳор, Қўш-

чинор чироқлари. *Ёш олимнинг* [*Берунийнинг*] *мусофирчиликда бошидан кечирган кулфатлари бу ташвишлар олдида ҳеч гап эмасди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар. *Қўшниларга ёрдам бериш сиз учун ҳеч гап эмас.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ГАП II [*ф.* گپ] Дўст-тенгқур, ҳамкасаба улфатлар орасида навбати билан ҳафта ёки ойда улардан бириникида ўтказиладиган зиёфат; улфатчилик. *Бугун жума бўлгани учун Ҳакимбойвачча ва Мирзакаримбой ўз улфатлариникига – гапга кетишган.* Ойбек, Танланган асарлар.

Гап бермоқ Ўз навбати келган куни улфатларига зиёфат бермоқ. *Яна бир ҳафтадан кейин Салим акам гап берармишлар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап емоқ** Шундай улфатчилик, зиёфатда мунтазам иштирок этмоқ. *Қишнинг узун кунлари бу ерда улфатлар гап ейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГАПБОЗЛИК Қуруқ, бефойда гап билан машғул бўлишлик. *..мақтанчоқликни, қуруқ ваъдабозликни фош қилиш, шу билан бирга, сиёсий гапбозликка берилиб кетмаслик керак.* Газетадан.

ГАП-ГАШТАК [гап + *ф.* گشتک – сайр, томоша қилиш] *айн.* **гап** II. *Тошкентдаги ҳамқишлоқларнинг бари шу ерда «туғилар», катта-кичик гап-гаштаклар ҳам шу ерда ўтказилар эди.* «Ёшлик». *Масхарабоз ва қизиқчилар, асосан, турли мазмундаги оилавий тўйларда.. зиёфат-базмларда, бозоршаб ва гап-гаштакларда ўйин кўрсатадилар.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

ГАП-ГУРУНГ Гаплашиб ўтириш; суҳбат. *Гап-гурунг устида у тоғамнинг қачон бўлмасин кириб келишини кутаётганини сезар эдим.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ГАПДОН [*ф.* گپدان – гапни, гапиришни яхши билувчи] **1** Гапга уста, чечан; топиб гапирадиган, тили бурро. *Ҳайдар азалдан гапдон бўлса ҳам, шу чоғ, шу ерда ҳаяжондан соқов эди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 *салб.* Маҳмадона, ўйламасдан гапирадиган. *Тупугини эплолмаган одам экан десам, гапдон чиқиб қолди-ку. Мана шундақалар кишининг сирини дўмбира қилиб чаладида, эҳтиёт бўлиш керак.* А. Муҳиддин, Қитмир.

ГАПДОНЛИК 1 Сўзга чечанлик, гапга усталик. -*Гапдонликка келганда, Бозорбой ҳам сен билан мени бир чўқишда қочиради, – деди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қуруқ сўзлаш билан овора бўлишлик, маҳмадоналик. *Мусобақа юзакичилик, гапдонлик, вайсақилик, кўзбўямачиликдан йироқ бўлиши керак.* Газетадан.

ГАПИРИШМОҚ 1 Гапирмоқ фл. бирг. н. *Усмонжон овқатдан кейин онаси кетидан уйга кирди-ю, анча гапиришиб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Бирор масалада ўзаро битишмоқ, келишмоқ. *Мен у билан ғишт тўғрисида гапиришиб қўйдим.*

ГАПИРМОҚ 1 Фикрини оғзаки баён этмоқ; сўзламоқ, айтмоқ; нутқ сўзламоқ. *Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.* Мақол. ▬ *Сафаров кулди ва эртага қилинадиган ишлар тўғрисида гапирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улфатларда ҳар ерларда ўлтирди, Султонхон дардини энди гапирди.* «Рустамхон». *Шу икки фикр атрофида мунозара жуда қизиб кетди. Гапирмаган, тортишмаган одам қолмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Оғзингга қараб гапир Ўйлаб, нима деяётганингни тушуниб гапир; ножўя, ахлоқдан ташқари иборани ишлатма.

2 Гапириш, сўзлаш қобилиятига эга бўлмоқ; тилга кирмоқ. *Нусратнинг икки ёшли ўғли катта бўлиб қолди, гапиради.*

3 Талаффуз қилмоқ. *Сабогул одатича сўзларни бузиброқ русча гапирарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қовоқлари ва бир қадар йирик юз ёноқларининг фарқига бормаган одам, уни* [*Ўрозни*] *асло қирғиз демас, «сартча»ни жуда яхши гапирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бир гапириб, ўн куладиган Жуда хушчақчақ, кўнгли очиқ одам ҳақида. *Она ўлимига дастлаб чидай олмаган каби кўринган Нури, секин-секин тақдирга тан берган, ҳатто аввалгидай бир гапириб, ўн куладиган бир ҳолга келган эса-да, ҳар келишда бақириб кирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У* [*Рисолат*] *бир гапириб, ўн кулар, гап орасида Дилдордан гина ҳам қилиб қўярди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Катта гапирмоқ** Ўз имкониятини ҳисобга олмасдан сўзламоқ, ваъда бермоқ; қуруқ гаплар билан мақтанмоқ. -*Катта гапирманг! -Катта гапирсам, гапирмасам, – деди Хушрўй, – менинг феълим ҳар кимга маълум ва ҳаммадан ҳам сенга очиқ!.*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қаттиқ гапирмоқ** 1) бақириб гапирмоқ; 2) кўнгилни оғритади-

ган гап қилмоқ. -*Оғир бўлинг, қаттиқ гапирманг, бекам! Ханжарингизни ҳам бекитиб қўйинг!* — *деди Зулфиқор.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Қизиқ гапларни гапирасан** Содда фикрлайсан, содда ўйлайсан. *Қизиқ гапларни гапирасан. Ахир, соқолим газлама савдоси билан оқарди. Мен дадил бўлмай, ким дадил бўлсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГАПЛАШМОҚ 1 Суҳбатлашмоқ; сўзлашмоқ. *Нега одамлар шивирлашиб гаплашяпти?* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Дилора дугонаси билан узоқ гаплашмади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 *кўчма.* Ўзаро келишмоқ, битишмоқ. -*Шағал гаплашиб қўювдим, Қурёз ака,* — *дедим ростига кўчиб.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Темирни гаплашиб қўйдим. Эрта саҳар шу ердан олиб кетамиз.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Муҳокама қилмоқ, кенгашмоқ. *Ундан кейин соат тўққизга бутун колхозчиларни йиғиш керак. Газетани ўқиймиз, ҳамма гапни очиқчасига гаплашамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -*Мен тегишли жойда гаплашаман,* — *деди Низомиддинов қоғозларини йиғиштираётиб,* — *мен очдим бу ишларни, мен фош қилдим.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

4 Ўзаро муносабатларни ойдинлаштирмоқ; орани очиқ қилмоқ; адабини бермоқ. -*Пайти келади сен билан гаплашишнинг,* — *деди-да, нари кетди.* М. Ҳазратқулов. Журъат. -*Шошма, дадангни йўқлигида сан ўлгур билан гаплашиб олай, юрак-бағримни заҳарладинг!* — *ўрнидан туриб, илдамлик билан қўрғон эшигини занжирлади Гулсумбиби.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отасиман, унинг топгани меники, қани, битта шолини у ёқ-бу ёқ қилиб кўр-чи, гаплашиб қўяман.* С. Аҳмад, Уфқ.

ГАПСОТАР Беҳуда гапни кўп гапирадиган; сергап.

ГАП-СЎЗ 1 Айтиладиган гап, сўз; нутқ. *Бу ҳақда гап-сўз бўлиши мумкин эмас* [*деди Абдусалом*]. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Суҳбат, гурунг. *Икки ўртадаги гап-сўз йўл узоқлигини билдирмас эди.* ▬ *Гап-сўз бир-бирига илашмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Овоза, миш-миш гап. *Қўқонда Ҳакимбойвачча хизматкорининг қизини олибди, деган гап-сўз ҳам бўлмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар сизга оғир тушмаса, юртдаги гап-сўз босилгунча, бирор йил Тошкентда турсин, сўнгра Марғилонга борсин, дердим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Гап-сўзга қолмоқ Уятга қолмоқ. -*Ҳа, ўқидик* [*хатни*], — *Ҳалима опа қизариниб кулди.* —*Ким билсин, ёш раис, гап-сўзга қолмасин деб қўрқувдик-да, айланай.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. -*Олган мажбуриятимни бажариб келмасам, гап-сўзга қоламан,* — *деди Нафиса онасига.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. **Гап-сўзда йўқ** 1) гапга нўноқ; нутқи норавон; 2) *кўчма* ношуд, лалайган. *Ҳозирги афтини кўрган киши уни* [*Рўзиматни*] *гапсўзда йўқ, ўзи тўнггина бир йигит гумон қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГАПХОНА [гап + хона] *эск.* Гап ўтказиладиган, гап қатнашчилари йиғиладиган жой. *Элмурод Мели полвоннинг қистови билан гапхонага боришга мажбур бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГАПХЎР [*ф.* گپخور — гап еювчи] Гап қатнашчиси, гап базмларига мунтазам қатновчи киши; жўра, улфат. *Мулла Жўра билан Қўшоқ.. гапга борганларида, гапхўрларга қишлоқдаги ҳаракатни сўзлаб беришди.* Ҳ. Шамс, Характеристика.

ГАПХЎРЛИК Улфатчилик, меҳмондорчилик. *Қиш бўйи гапхўрлик қилиб, сўқим гўшту қази солинган паловларга ўзимизни боқинг деб, баҳорда қишлоқ бойларининг тўрт-беш таноб ерининг учдан бирига эккандим.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ГАПЧИ *салб.* Бир кишининг гапини иккинчи кишига етказиб турувчи, гап ташувчи; иғвогар. *Гапчи одам.*

ГАПЧИЛ *шв.* Гапга уста, гапдон, чечан; сергап. *Гапчил бола.*

ГАР [*ф.* گر — اگر "агар" сўзининг қисқарган шакли] *кт. айн.* **агар**. *Душманинг гар мўр эса, Сен бўлмагил андишасиз.* Ҳамза. *Шу ишга гар қилса қасд, Расо ишга тушса бас.* З. Диёр.

ГАРАЖ [*фр.* garage < gerer — пана жойга қўймоқ] Автомобиль, мотоцикллар турадиган ва жорий таъмир қилинадиган иншоот, бино. [*Шофёр*] *Машинасини гаражга қўйиб, уйига кетди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит.

ГАРАЗОН *шв.* Жуда кир, ифлос. *Жуда гаразон бўлиб кетибсан-ку. Устингдаги кўйлакни еч, гаразон бўлиб кетибди.*

ГАРАНГ 1 Қулоғи эшитмайдиган, кар. *Гаранг одам.* ▬ *Бу гаранг оловни ҳам ўзи ёқади, ўчиришда ҳам ўзи сув сепади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *кўчма* Боши қотган, нима қиларини билмай гангиб қолган; ганг. *Болаларнинг жавдираган кўзлари отада. Ота эса нима қиларини билмай гаранг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Гаранг бўлмоқ 1) қулоғи битиб, эшитмайдиган, кар бўлиб қолмоқ. *Автомат тириллашидан гаранг бўлган ўн уч немис бараварига қўл кўтариб, ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) *кўчма* нима қиларини билмай, гангиб қолмоқ, гангимоқ. *Уста хийлагача тили сўзга келмасдан, гаранг бўлиб қолди.* О. Ёқубов, Ларза. **Гаранг қилмоқ** Бошини қотирмоқ; гангитмоқ; хуноб қилмоқ. *Мурод мирзонинг хабари эр-хотинни ҳам, Майнани ҳам гаранг қилиб қўйди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *-Жонгул куни билан йиғлайвериб, ҳаммамизни гаранг қилиб юборди-ку, — деди Худойқул ака Умарқулга.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Бу мол билан сен ҳам сарсон бўлмагин, Беҳуда ўзингни гаранг қилмагин.* «Алпомиш».

ГАРАНГЛИК Карлик, қулоғи эшитмаслик. *Эшон-қози буларнинг гапини эшитмаса ҳам, оғзининг қимирлаётганини кўриб, калласини ликиллатиб, гаранглигини билдирмай турганда, иккинчиси арз қилибди.* «Луқмони Ҳаким».

ГАРАНГСИМОҚ Нима қиларини билмай, эсанкираб қолмоқ; гаранг бўлмоқ. *Мутал ҳануз эшикда гарангсиб ўтирган чолнинг ёнидан ўтиб, ташқарига чиқди.* О. Ёқубов, Ларза. *Қурбон гарангсиб, олдинга тушди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ГАРАНГТОБ *шв. қ.* **гаранг 2**. *Муродхоннинг кўнглидан ҳалиги кўрган паризоднинг ишқи кетмай, гарангтоб бўлиб бораётир.* «Муродхон».

ГАРАНТИЯ [*фр.* garantie — бирор нарсани таъминлаш; таъминот] *қ.* **кафолат, кафиллик**. *Гарантия бермоқ.* ▬ *Ҳалол, ошкора позицияни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий гарантияларга келсак, бугунги кунда бундай гарантиялар бор.* Газетадан.

ГАРАНТИЯЛАМОҚ *қ.* **кафолатламоқ.** *Мустақиллик меҳнаткашларга жуда катта ҳуқуқ ва эркинликлар берди ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан гарантиялади.* Газетадан.

ГАРБИЛ [*р.* горбыль — пўстли тахта] Пўстлоғи арчилмаган ходанинг четидан чиққан тахталар. *Ҳовли ҳам жимжит, пастки тахталари олиб ташланган зинадан юқорига чиқди, эшикка қоқиб қўйилган гарбил тахталарни тортиб кўрди, аммо кучи етмади.* Мирмуҳсин, Умид.

ГАРД [*ф.* گرد — чанг, ғубор; кукун] **1** Чанг, ун, кўмир кабиларнинг юқи. *Ун гарди.* ▬ *Тегирмонга кирганнинг кипригига гард илашади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *У дўл тагида шўх айланаётган ялпоқ катта тош атрофидаги ун гардларини сидирар, тегирмон тошининг ғув-ғувида ҳеч нарса эшитилмасди.* Ш. Тошматов. Эрк қуши.

2 *кўчма* Доғ, нуқсон. *Муборак номига гард юқтирмай яшамоқ.*

Ўзига гард юқтирмаслик Ўз обрўсига доғ туширмаслик. *Ҳамма ҳайрон: ўзига гард юқтирмайдиган, гап тегизмайдиган абжир қиз негадир шунча мазахларга чидаб, индамай юрибди?* Газетадан. *Отам умрининг охиригача ўз шаънига, оиласи шаънига гард юқтирмаслик, одамлардан дакки-дашном эшитмаслик учун интилган.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 *кўчма* Зарра, белги, асар, нишон. *Рўпарамда чордона қуриб ўтирган бу ажойиб мўйсафиднинг бошига йиллар оппоқ гардини аямай тўкибди-ю, лекин вужудини сўндиролмабди.* А. Ҳасанов, Яшариш. *Қўшиқчи англаб шу чоғ Темирохун дардини, Чеҳрасига ўрнашган Қайғу, кулфат гардини.* Ғайратий.

ГАРДАН [*ф.* گردن — бўйин] Гавданинг бош билан елка орасидаги қисми; бўйин; бўйиннинг орқа қисми. *Полвон ўрнидан турди, нима қилишни билмай, гоҳ пешонасини уқалар, гоҳ гарданини қашир эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Сочлари чаккаси ва гарданигача тушган, елкасига фотоаппарат илган ёшгина новча сариқ йигитча ҳаммага бир-бир жилмайиб турарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Гарданига олмоқ 1) ўз устига олмоқ, зиммасига олмоқ. *Ишнинг оғирини ўз гарданимга оламан: пули, озиқ-овқат, асбоб-ускунаси, улови мендан; меҳнат — халқдан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) иқрор бўлмоқ, тан олмоқ, бўйнига олмоқ. **Гарданига юкламоқ (***ёки* **қўймоқ)** Зиммасига юкламоқ, топширмоқ. *Директор бу ишни унинг гарданига юклади. Пахтачиликдаги энг оғир ишлар машиналар гарданига юкланди.* **Гарданига тушмоқ** Зиммасига тушмоқ. *Енгсалар — нур устига нур. Енгилсалар — масъулият Анварнинг гарданига тушади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ГАРДАНКАШ [*ф.* گردنکش – исёнчи, қўзғолончи; ўжар, гапга кирмайдиган] *кам. қўлл.* Қайсар, ўжар. *Очил куч шундай гарданкаш одам эди.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

ГАРДАНКАШЛИК Қайсарлик, ўжарлик. *Ҳа, гарданкашлик қилиб, кўзга кўканак, бетга тиканак бўлишдан ҳазар қил* [*деди бойвачча*]. К. Яшин, Ҳамза.

ГАРД-ГАРД: гард-гард қилмоқ Чилпарчин қилмоқ, майда-майда қилмоқ, яксон қилмоқ, тор-мор келтирмоқ. *Аскар ўраб олди ўнгдану сўлдан, Қочар пайт икковин қилдилар гард-гард!* Миртемир.

ГАРДДАЙ Жуда оз, оз миқдорда; озгина, жиндай. *Гарддай дори. Юрагида гарддай чўғ йўқ.*

ГАРДЕРОБ [*фр.* garde-robe < garde – сақлаш + robe – кўйлак] **1** Кийим-кечак қўйиладиган шкаф; кийим жавони. *Зебо паришон ҳолда пиджагини гардеробга қўйди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Жамоат биноларига, муассасаларга кираверишда уст кийимлар топшириш ва сақлаш учун ажратилган махсус жой. *Зокир гардеробга похол шляпасини топшираётганда, ёқимли пиёздоғ ҳиди димоғига урилиб, оғзи сув оча бошлади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ГАРДЕРОБХОНА *қ.* **гардероб 2.**

ГАРДЕРОБЧИ Гардеробда ишловчи шахс. *Ҳикмат ака гардеробчи бўлиб ишлай бошлади.* Газетадан.

ГАРДИН [*ф.* گردین < گردیدن – айланмоқ] Доира шаклидаги, доира. *Махсум ясатиғлиқ гардин патнис кўтариб кирди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ГАРДИШ [*ф.* گردش – сайр; айланиш; айлана] **1** Буюмнинг айланма сирти; чамбар, чамбарак. *Чилдирманинг гардиши. Ғилдирак гардиши.* ▬ *Раъно.. дўпписини қозиққа илиб, гардиши кенг кигиз қалпоғини олиб, устига ура-ура, чангини қоқди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Доира шаклидаги нарса; доира. *Ойнинг гардиши. Қуёшнинг гардиши.* ▬ *Ҳа, ой атрофида гардиш ясади: эртага ҳаво яхши бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. [*Ойниса*] *Патирларни дастурхонга тугди, устига кеча бозордан олиб келган икки гардиш ҳолвани қўйди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

Фалакнинг гардиши Дунёнинг ўзгаришлари; тақдир, қисмат, пешона; кўргилик. *Фалакнинг гардишини қарангки, ўша қариб уйланган отаси ҳали ҳаёт, онаси эса ёшгина оламдан ўтиб кетди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Фалакнинг гардиши билан лўли қиз подшога кўнгил берибди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ГАРДКАМ *унд. с.* **1** Қимор ўйинида ошиқ ташлашда айтиладиган хитоб. *Тавба! Эшон «гардкам» деб ошиқ отадими-а?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Нима бўлса бўлар, таваккал. [*Абдулазиз*] *..қўлини кўкрагига урди: -Бизнинг иш гардкам! Ё у ёғлик, ё бу ёғлик.* С. Анорбоев, Оқсой.

ГАРДУН [*ф.* گردون – осмон, фалак] *эск. кт.* Осмон, осмон гумбази. [*Навоий:*] *Йиқил устимга, эй гардун, йиқил тез! Йиқил, бошимни янч! Гавдамни бос, эз!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ГАРД-ТЎЗОН Чанг, чанг зарралари. *Супа устини, ўчоқбошини қалин гард-тўзон қоплаган.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ГАРД-ЧАНГ Кўп миқдордаги гард ва чанг. *Унинг сариқ тукли кенг юзи пахта гардчанги билан қопланган эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ГАРД-ҚУРУМ Кўп миқдордаги чанг ва қурум. *Гард-қурумга беланиб, бедор, Кўмирларни қулатар яхлит!* Ё. Мирзо.

ГАРД-ҒУБОР *қ.* **гард-чанг**. *Дафтарнинг гард-ғуборини аста артиб, илк саҳифасини очишим биланоқ, олис ўтмиш гуп этиб димоғимга урилди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ГАРМА [*ф.* گرمک – эртапишар қовун нави; ҳандалак] Қовуннинг бир тури. *Майдонларда душман билан қувишган, Қумзор ерга гарма қовун экишган.* «Эрали ва Шерали».

ГАРМДОРИ [*ф.* گرمدارو – иссиқ, қайноқ дори *ёки* گرمدار – иссиқликка, қайноқликка эга] Инсон истеъмол қиладиган бир йиллик сабзавот ўсимлиги ва шу ўсимликнинг ҳосили. *Гармдори кўчати.* ▬ *Қарши томондаги болохонада Иқбол холанинг саришта қўллари билан ипга тизилган маржон-маржон гармдорилар осилиб турибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ГАРМИЁН [*ф.* گرم – иссиқ, қайноқ] Баъзи узум турларидан махсус усулда тайёрланган майиз.

ГАРМОНИК *қ.* **уйғун.** *Миртемир – табиат картиналари билан инсон психологик кечинмаларини гармоник уйғунликда акс эттиришнинг назмдаги мусаввири.* «ЎТА».

ГАРМОНИЯ [*юн.* harmonia – боғланиш, мутаносиблик] *қ.* **уйғунлик.** *Бу шевада унлилар гармонияси, яъни сингармонизм ҳодисаси мавжуд эмас.* «ЎТА».

ГАРМОНЧИ Гармонь чалувчи. *Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб, ўйин айни доли-гулига келганда, майдон гумбурлаб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ГАРМОНЬ [*юн.* harmonikos – ҳамоҳанг; тенг ўлчовли, мутаносиб] Икки ёни буклама, клавиатурали мусиқа асбоби. *Қаёқлардадир гармонь чалинади. Рус халқининг дилрабо ашуласи янграб туради.* Ш. Рашидов. Бўрондан кучли.

ГАРМСАР *с.т.* Гармсел.

ГАРМСЕЛ [*ф.* گرمسير – иссиқ мамлакатлар, ўлкалар] Ёзда бўладиган иссиқ ёқимсиз зарарли шамол. *Бу ерда кўпгина азаматлар янги кўчатлар ўтқазиб, саҳродан келадиган қум ва гармсел йўлини тўсардилар.* Ш. Рашидов. Бўрондан кучли.

ГАРНИЗОН [*фр.* garnison < garnir – таъминламоқ; қуроллантирмоқ] Истеҳком ёки қалъада доимий ёки вақтинча турадиган ҳарбий қисмлар мажмуи. *Бу яйловга ҳар йили Тбилиси гарнизонининг ҳарбий қисмлари кўчиб чиқади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ГАРНИР [*фр.* garnir – таъминламоқ; безамоқ] Гўштли овқатга қўшиб бериладиган, сабзавот, макарон, ёрма ва ш. к. дан тайёрланадиган енгил овқат. *Гарнир тайёрламоқ.*

ГАРНИТУР [*фр.* garniture – бирор нарсанинг мажмуи] Бирон-бир мақсад учун хизмат қилувчи нарса-буюмларнинг йиғмаси, мажмуи. *Мебеллар гарнитури.* ▬ *Пошша хола уйга кириб, оғзи очилиб қолди: бир томонда гарнитур, бир томонда радио, телевизор, уйга кираверишда – коридорда телефон.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ГАРОВ [*ф.* گرو – кафолат] **1** Ваъданинг бажарилишига ишонтириш учун қолдириладиган омонат нарса. *-Хўп, мен гаровга пул бериб кетай, – деди Йўлчи Қора Аҳмадга.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен оғайниларни кўзларим устида тутаман, уларни муҳтожлик чоғларида кўрсам, ўзимни гаров қўйиб бўлса ҳам, эҳтиёждан чиқаришга тиришаман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бажарилишини, амалга ошувини таъминловчи нарса, асос. *Кузги шудгор – мўл ҳосил гарови.* ▬ *Дўстлигимиз ҳозирги за-фарларимизнинг пойдевори, порлоқ истиқболимизнинг гарови, боқий умримизнинг тимсолидир.* Газетадан. *Раис ем-хашак ҳозирлаш чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий гарови экани тўғрисида катта нутқ сўзлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

Гаров ўйнамоқ (*ёки* **боғлашмоқ**) Бас боғлашмоқ, шартлашмоқ. *Мерганлигимга ишонмайсизми? Ундай бўлса, гаров боғлашамиз.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ГАРОВХОНА Аҳолидан нарсаларни гаровга олиб, қарз берадиган жой, муассаса; ломбард.

ГАРЧАНД [*ф.* گرچند = اگرچه] *айн.* **гарчи.** *Қиз томон, гарчанд тўйини бир йил кейин қилиш шарти билан бўлса ҳам, розилик берибди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Гарчанд мен болалигимда бу шеърларнинг мазмунига аниқ тушунмасам ҳам, лекин шеърий руҳ тасаввуримда нимагадир интилишга ундарди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ГАРЧИ [*ф.* گرچه = اگرچه «агарчи» боғловчисининг қисқа шакли] *боғл.* Эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бош гапдаги иш-ҳаракат амалга ошишига тўсиқ бўла олмаслигини таъкидлаш учун хизмат қилади. *Шайхзода домла, гарчи мени ўқитмаган бўлса ҳам, мен ўқиган институтда дарс берарди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Меҳмонлар, гарчи бундай вақтда кишига ҳеч қандай сўз тасалли бера олмаслигини билишса ҳам, кампирга тасалли берган бўлиб қўзғалишди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ГАСТРИТ [*юн.* gaster, gastros – ошқозон, меъда] *тиб.* Ошқозон шиллиқ пардасининг яллиғланиши. *Гастрит, ошқозон яраси, ошқозон раки, йўғон ичак касалликларини аниқлаш учун касаллар рентген нури билан текширилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ГАСТРОЛЁР Гастролдаги артист ёки артистка.

ГАСТРОЛЬ [*нем.* Gast – меҳмон, келгинди + Rolle – роль] **1** Театр артисти ёки артистлар гуруҳининг бошқа шаҳар ёки ҳудуддаги концерти. *«Баҳор» ансамблининг гастроли.* ▬ *Ёзда Қўқон театри Фарғонага гастролга борган эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 *кўчма.* Бирор нарса илинжида бошқа жойга бориш. *Жамкочян билан Каражян* (*жиноят қилиш мақсадида*) *Волгоград, Харьковга гастроль қилишди.* Газетадан.

ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ *қ.* **гастроль**. *Хонандаларнинг бир ҳафта давом этган гастроль-концерт сафари вилоят маркази ва туманларда муваффақиятли ўтди.* Газетадан.

ГАСТРОНОМ [*юн.* gaster – ошқозон + nomos – қонун] Озиқ-овқат магазини. *У қозиқдаги пахталигини кийиб, қўлида корзинка, гастрономга кетди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

ГАСТРОЭНТЕРИТ [*юн.* gaster + enteron – ичаклар] Ошқозон шиллиқ пардаси ва ингичка ичакларнинг яллиғланиши.

ГАСТРОЭНТЕРОЛОГИЯ [*юн.* gaster + enteron – ичаклар + logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг овқат ҳазм қилиш аъзолари тузилиши ва функцияларини, уларда учрайдиган касалликларни, уларни аниқлаш ва даволаш усулларини ўрганадиган бўлими.

ГАУБИЦА [*нем.* Haubitze] *ҳарб.* Пана орқасидаги душманга юқорилатиб отадиган қисқа стволли тўп.

ГАУПТВАХТА [*нем.* Hauptwache – бош, асосий қоровул] Қамоққа ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар сақланадиган жой. *Гуноҳкор «энди гауптвахтага кетдим» деб турганида, бирдан дарсдан сўраб қолар, сал тутилса, «интизом бузадиган кучни мана бунга ишлатиш керак», дер эди лейтенант.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ГАФНИЙ [*лот.* Hafnia – Копенгагеннинг лотинча номидан] Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб, кумушранг ялтироқ, чўзилувчан кимёвий элемент.

ГАШИР *шв.* Сабзи. *Мана, Шавкатга гашир тўғратамиз.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ГАШТ [*ф.* گشت – сайр, айланиб юриш] Бирор нарсадан олинадиган завқ; нашъу намо. *Баъзида эса дала шийпонида ётиб қолардим. Бундай ухлашнинг ўзига яраша гашти бўлади.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Фарзандга иш буюришнинг оталик гашти бўлади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

Гашт қилмоқ Айшини сурмоқ. *Алимардон икки ойгача ана шу байрам роҳати билан гашт қилиб яшади.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Ҳалиги мардикор сўзини давом эттирди: -Мана мен тошкентликман. Бундан нима фойда? Пулим бўлса, ҳар қаерда гаштимни қиламан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГАШТАК [*ф.* گشتک – сайр, томоша] *айн.* **гап** II. *Ўз ноним бор, ўз тўшагим, болишим, Ўз қишлоғим, ўз гаштагим, жўрам бор.* Миртемир.

ГАШТИ *шв. рвш.* Охири, охирида. *Хизмат қилган тахт устидан жой олар, Ёмонлик қилганлар гашти уялар.* Ислом шоир, Зулфизар билан Авазхон.

ГАШТЛИ Завқ-шавқ берадиган, нашъу намоли, завқли. *Бу оқшом, Низомиддиновнинг назарида, шу пайтгача кўрган оқшомлари ичида энг гўзали, энг гаштлиси эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ГАҲ *унд. с.* Қўлга ўргатилган қушларни чақириш учун ишлатилади.

Гаҳ деса (*ёки* **деганда) қўлга қўнадиган қилиб олмоқ** Бировни ўзига бўйсундириб, сўзини икки қилмайдиган қилиб олмоқ. *-Ўзи ўғлим ношуд. Хотинини гаҳ деганда қўлга қўнадиган қилиб олмадими, бундай эркакдан оғилхонадаги бузоқ яхши, – деди кампир.* С. Аҳмад, Ҳасрат.

ГАҲИ [*ф.* گهی – баъзан] *эск. поэт. қ.* **гоҳо**. *Гаҳи Лайли, гаҳи Ширин бўлиб, сен Яшарсен доимо достонларимда.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ГВАРДИЯ [*итал.* guardia – соқчилар, қўриқчилар] **1** *ҳарб.* 12-асрда Италияда, сўнгроқ Европанинг бошқа бир қанча давлатларида, 17-аср охиридан 1918 йилгача Россияда: монарх, подшо, лашкарбоши кабиларнинг шахсий соқчилари; қўшиннинг сараланган, имтиёзли қисмлари.

2 *ҳарб.* Собиқ СССР да: 1942 йилда жорий этилган, 2-жаҳон урушида алоҳида жасорат кўрсатган ҳарбий қисмлар, кемалар, қўшилмалар ва ш. к. га берилган фахрий ном. *Немислар ҳайдаб келаётган одамлар орасида гвардия капитани Калашченко ҳам бор эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *кўчма* Муайян ижтимоий гуруҳ ёки ташкилотнинг энг яхши, сараланган намунали қисмининг номи. *Бу сафар ҳам ташаббусни кекса гвардия бошлаб берди.*

Миллий гвардия 1) бир қатор ғарб мамлакатларида ҳарбий ва ҳарбий-полиция тузилмалари, қисмларининг номи; 2) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги бир қанча мамлакатларда мунтазам ҳарбий тузилмалар номи. *Украина миллий гвардияси.* ■ *ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 январдаги қарорига биноан республика*

Қуролли Кучларининг таркибий қисми — миллий гвардия тузилган. «ЎзМЭ».

ГВАРДИЯЧИ 1 *ҳарб.* Гвардияга оид, гвардияга мансуб бўлган; гвардияда хизмат қилган; гвардия номини олган. *Гвардиячи қисм. Гвардиячи капитан.* ▬ *Иккала хатга ҳам тезда жавоб келавермади. Бу орада катта жанглар бўлиб, Мирзаевнинг қисми гвардиячи қисм, ўзи гвардиячи сержант бўлди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

ГЕГЕМОН [*юн.* hegemon — доҳий; йўлбошчи] Ҳоким, ҳукмрон; раҳбар, етакчи.

ГЕГЕМОНЛИК Ҳокимлик, ҳукмронлик; раҳбарлик. *Давлатнинг гегемонлик роли.*

ГЕЗАРМОҚ Ранги ўчиб оқариб кетмоқ, бўзармоқ. *Эсган салқин шамолдан қўллар унча қовушмай, лаблар гезариб титрайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ГЕЙЗЕР [*исл.* geysir — булоқ, чашма] Вақти-вақти билан ердан фаввора каби отилиб чиқадиган буғ ва иссиқ сув.

ГЕЙМ [*ингл.* game — ўйин] Теннисда: ўйиннинг бир қисми, бўлими.

ГЕЙША [*яп.* гейся] Японияда: зиёфатларда меҳмондўстлик вазифасини бажарувчи, мусиқа, рақс, суҳбат одобидан хабардор аёл.

ГЕККОН [*лот.* cekkonidae — чангал бармоқлилар] Судралиб юрувчилар оиласига кирувчи калтакесакнинг бир тури. *Ҳозир геккonларнинг ер юзида 660 дан ортиқроқ тури бор.* «Фан ва турмуш».

ГЕКСАХЛОРАН [*юн.* hex — олти + *лот.* chlorum < *юн.* chloros — кўк-сариқ] Зараркунанда ҳашаротларга қарши ишлатиладиган кимёвий модда. *Бу жойлар деярли уч йилдан буён гексахлоран ҳидини билмайди. Сезяпсизми?* [*деди Шодмонқул*]. С. Нуров, Нарвон.

ГЕКСАЭДР [*юн.* hex — олти + hedra — ёқ, қирра, томон] *махс.* Олти ёқли геометрик шакл ёки олти қиррали кристаллографик шакл.

ГЕКТАР [*фр.* hectare < *юн.* hekaton — юз + *лот.* area — майдон, сатҳ] Метрик системада: 10 000 квадрат метрга тенг сатҳ ўлчов бирлиги. *Звено бўйича мажбурият ҳар гектардан ўн бир центнер эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу жой тепалик ўртасида бўлиб, кенглиги ярим гектардан ортиқ эмас эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ГЕКТАРЧИ Гектарлаб ер олиб деҳқончилик қиладиган шахс. *9 гектар ер эса гектарчиларга нақд пулга сотилган.* «Муштум».

ГЕКТО- [*юн.* hekaton — юз] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, «юз», «юз марта» маъноларини ифодалайди; асосий ўлчов бирликлари билан бирга келганда, шу бирликларнинг юз марта катталашишини билдиради. мас., гектометр = 100 метр, гектоватт = 100 ватт.

ГЕКТОГРАФ [гекто.. + *юн.* grapho — ёзаман] Нусха кўпайтирадиган содда асбоб. *Гектографда босмоқ.*

ГЕКТОГРАФИК Гектографга оид; гектографда босилган. *Гектографик нусха.*

ГЕЛАГАЙ *шв.* Янги туққан сигир сути; оғиз.

ГЕЛИЙ [*юн.* helios — Қуёш] Менделеев даврий системасининг VIII груҳига мансуб рангсиз ва ҳидсиз жуда енгил газ. *Газларнинг кинетик назариясига мувофиқ, Марс атмосферасида енгил газлар — водород ва гелий сақланиб қолмаган.* «Фан ва турмуш».

ГЕЛИО- [*юн.* helios — Қуёш] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, Қуёшга ёки Қуёш энергиясига алоқадорликни билдиради, мас., *гелиотехника.*

ГЕЛИОТЕРАПИЯ [гелио.. + терапия] Қуёш нури билан даволаш.

ГЕЛИОТЕХНИКА [гелио.. + техника] Саноат ва маиший эҳтиёжлар учун Қуёш энергиясидан фойдаланиш йўлларини ўрганувчи техника тармоғи. *Механика институтида янги йилда алюминий кўзгулар ёрдамида ишлайдиган қудратли гелиотехника қурилмаси синаб кўрилди.* Газетадан.

ГЕЛИОТРОП [*юн.* heliotropion — кунга боқувчи] Қурилишда безак буюмлари тайёрлаш учун ишлатиладиган ўртача қимматбаҳо тош.

ГЕЛИОФИЗИКА [гелио.. + физика] Астрофизиканинг Қуёшда рўй берадиган ҳодисаларни ўрганувчи бўлими.

ГЕЛИОЦЕНТРИК [гелио.. + *лот.* centrum < *юн.* kentron — тўплаш, тўпланиш; марказ]: **гелиоцентрик система** Қуёшни коинот маркази деб билувчи таълимот. *Коперник системаси, яъни марказида Қуёш турган система гелиоцентрик система дейилади.* «Астрономия».

ГЕЛЛАМОҚ *шв.* Лақиллатмоқ, алдамоқ. *Аёл ақли паст бўлар деб, Ҳийла билан геллямагин.* «Гулнорпари».

ГЕЛЬМИНТ [*юн.* helmins, helminthos — чувалчанг, гижжа] Одам ва ҳайвонлар тана-

сида паразит ҳолда ҳаёт кечирувчи гижжа. *Гельминт кўп ҳужайрали жонивордир.* «Фан ва турмуш».

ГЕЛЬМИНТОЗ [*юн.* helmins, helminthos – чувалчанг, гижжа] Одам, ҳайвон ва ўсимликларда гельминтлар келтириб чиқарувчи касаллик.

ГЕЛЬМИНТОЛОГИЯ [гельминт + *юн.* logos – таълимот] Гельминтларни ҳамда тирик организмларда улар келтириб чиқарадиган касалликларни ўрганадиган фан. *Иммунитетга ўтадиган касалликларнинг манбаларига ва гельминтологияга доир тадқиқотлар кенг ривожланди.* Газетадан.

ГЕМ [*юн.* haima – қон] Гемоглобиннинг унга қизил ранг бериб турадиган оқсилсиз қисми.

ГЕМАТИТ [*юн.* haima – қон] Таркибида асосан темир, шунингдек, марганец, титан, алюминий бўлган қизил рангли минерал. *Лимонит ва гематит минералларининг туси бир-бирига жуда ўхшайди.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

ГЕМАТОЛОГИЯ [гемато.. + *юн.* logos – таълимот] *тиб.* Қон таркибини ва у билан боғлиқ касалликларни ўрганувчи фан. *Тошкентдаги Гематология институтида лейкоз – қон раки натижасида юз берадиган биокимёвий ва иммунологик ўзгаришлар ўрганилмоқда.* Газетадан.

ГЕМИНАТА Кетма-кет келган айнан бир турдаги ундош; қўш ундош. ***Икки, саккиз*** *сўзларида икки ундош ёки гемината ҳодисасини кўриш мумкин.* «ЎТА».

ГЕМО-, гемато- [*юн.* haima, haimatos – қон] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, қонга алоқадорликни билдиради.

ГЕМОГЛОБИН [гемо.. + *лот.* globus – шар, курра] Қизил қон таначалари таркибида бўладиган ва қонга қизил ранг берадиган ҳамда бутун организмни кислород билан таъмин этиб турадиган мураккаб оқсил. *Тоғ шароитига мослаша бошлаган қўйларнинг қонида ўзгариш бўлади: гемоглобин доначалари кўпаяди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ГЕМОДЕЗ [*лот.* haemodesum < гемо.. + *лот.* des – -дан, йўқотиш + in – ичида + *юн.* toxikon – заҳар] Организмни, қонни заҳарли моддалардан, заҳарланишдан тозалаш учун ишлатиладиган сариқ тусли суюқ дори. *Бўлим врачи жигарингизда оғриқ бор, деб менга гемодез тайинлади.* «Ёшлик».

ГЕМОМЕТР [гемо.. + *юн.* metreo – ўлчайман] Қонда гемоглобин миқдорини аниқлайдиган асбоб.

ГЕМОРРОЙ [*юн.* haimorrois – қон оқиш] Тўғри ичак ва орқа чиқарув йўли веналарининг кенгайиши; бавосир. *Бу шифобахш гиёҳдан [бўйимодарон] тайёрланадиган дори-дармон геморройдан, шунингдек, бурун, тиш, милк ва яралардан қон кетишни тўхтатишда ишлатилади.* «Фан ва турмуш».

ГЕМОТЕРАПИЯ [гемо.. + терапия] Қон билан даволаш.

ГЕН [*юн.* genos – пайдо бўлиш, келиб чиқиш] Ирсиятнинг организм белги ва хусусиятларини наслдан наслга ўтказиш вазифасини бажарувчи элементар бирлиги ва моддий асоси; ирсий белги. *Боғичлар туфайли ген информациясини авлоддан авлодга етказиб берувчи ДНК молекулаларининг айнан такрорланиши содир бўлиб туравераdi.* «Фан ва турмуш».

ГЕНЕАЛОГИК Генеалогияга, шажарага, келиб чиқишга оид. *Тилларнинг генеалогик таснифи.*

ГЕНЕАЛОГИЯ [*юн.* genealogia – шажара, келиб чиқиш] **1** Шажара, келиб чиқиш, уруғ тарихи. *Шарқ тилларини яхши билган олим ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасини унинг генеалогиясига кўра ҳам текширган.* Газетадан.

2 Тарихнинг уруғ ва оилалар келиб чиқиши, қариндошлик алоқаларини ўрганувчи бўлими; насабшунослик.

ГЕНЕЗИС [*юн.* genezis – келиб чиқиш, юзага келиш] Келиб чиқиш, пайдо бўлиш тарихи. *Туркий тилларда чўзиқ унлиларнинг табиати, тарқалиши ва генезиси каби масалалар кўпдан мутахассисларнинг диққатини жалб қилиб келади.* «ЎТА».

ГЕНЕРАЛ I [*лот.* generalis – умумий; бош, олий] **1** Олий қўмондонлик таркибига бериладиган ҳарбий унвон. *Армия генерали.*

2 Шу унвонга эга бўлган шахс. *Рота командири ертўладан бошини чиқариб: «Ўн иккита, ўртоқ генерал!» – деди.* Шуҳрат. Шинелли йиллар. *Генерал бошқа бир неча командирлар билан комбат ертўласига кирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ГЕНЕРАЛ II Бош, асосий. *Шаҳарнинг генерал плани.*

Генерал репетиция Спектакль ёки концерт олдидан ўтказиладиган энг сўнгги тайёргарлик. *Яхши келдингиз, Ефим Данилович, генерал репетиция! Бошлаб берадиган хоримизни бир эшитинг-а.* [*деди Абдусамат*] А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Генерал штаб** Бош ҳарбий штаб.

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР *тар.* 20-аср бошларидан 1917 йилгача Россияда бир неча губерня ёки вилоятларни ўз ичига олган маъмурий-ҳудудий бирликнинг олий ҳарбий-маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган ҳокими. *У* [*Исфандиёрхон*] *кетма-кет Тошкентга, генерал-губернаторга сим қоқарди.* С. Сиёев, Аваз. [*Ҳоким*:] *Менда ихтиёр йўқ, фақат генерал-губернатордан рухсат бўлса бас.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ГЕНЕРАЛИССИМУС [*лот.* generalissimus – энг юқори, олий] Баъзи мамлакатлар қуролли кучларида энг олий ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *У баландпарвоз генералиссимус эди.* Ойбек, Нур қидириб.

ГЕНЕРАЛИТЕТ [*нем.* Generalität < *лот.* generalis – бош, олий] Армиянинг олий қўмондонлик таркиби; генераллар.

ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ [генерал + *фр.* lieutenant – ҳарбий унвон] Қуролли кучларда генерал-майордан юқори, иккинчи даража генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Черницов армия қўмондони генерал-лейтенант Погодиннинг штаб-квартирасига Юрьевдан кейин кирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ГЕНЕРАЛ-МАЙОР [генерал + *лот.* major – катта] Қуролли кучларда энг қуйи генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Нотаниш киши.. ўқчилар дивизиясининг командири, гвардия генерал-майори Собир Раҳимовнинг жанговар фаолиятини акс эттирувчи кўпгина эпизодларни суратга олган экан.* Газетадан.

ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК Қуролли кучларда генерал-лейтенантдан юқори, учинчи даража генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Тиббиёт хизмати генерал-полковниги.*

ГЕНЕРАТОР [*лот.* generator – туғдирувчи, пайдо қилувчи] *тех.* Бирон-бир ташқи манба ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқарувчи ёки бир энергия турини бошқа хил энергияга айлантирувчи қурилма; аппарат. *Электр тебранишлар юқори частотали генератор ёрдами билан механик тебранишларга айлантирилади.* «Фан ва турмуш».

ГЕНЕ́ТИК [*юн.* genetikos – туғилиш; пайдо бўлиш] *от* Генетика мутахассиси.

ГЕНЕТИ́К *сфт.* Генетикага оид; бирор нарсанинг келиб чиқиши ва тараққиётини ўрганишга оид. *Масалан,* ***тугма*** *сўзининг генетик маъноси боғични англатади.* «ЎТА».

Генетик касалликлар Наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтувчи касалликлар; ирсий касалликлар.

ГЕНЕТИКА [*юн.* genetikos – туғилиш; пайдо бўлиш] Биологиянинг барча тирик мавжудотларга хос бўлган ирсият ва турли ирсий ўзгаришларни ўрганадиган бўлими. *Генетика лабораторияси.* ▬ [*Умид*] *Ҳали бундан кейин генетикага доир бир кўп фикрларни Чарльз Дарвиндан ҳам топиши керак.* Мирмуҳсин. Умид.

ГЕНИАЛ [*лот.* genialis – истеъдодли] **1** Ўта юқори даражада истеъдодли, заковатли. *Гениал шоир.* ▬ *Уларнинг бирида Навоий.. гениал шоир сифатида кўрсатилса, иккинчи афсонада оддий чўпоннинг ғамхўри ва раҳнамоси деб талқин этилади.* «ЎТА».

2 Ўта мукаммал, баркамол. *Гениал асар. Гениал шеър.*

ГЕНИАЛЛИК Ўта истеъдодлилик, донолик, буюклик. *Шеърий санъатларда шоирларнинг гениаллиги яққол кўринади.* «ЎТА».

ГЕНИЙ [*лот.* genius – ўта истеъдодли] Ижодий истеъдоднинг энг юксак даражаси, улкан талант; шундай хусусиятли шахс. *Меҳнатда кишиларнинг қобилияти ва таланти, инсоннинг генийси намоён бўлади.* Газетадан.

ГЕНИЙЛИК Ўта истеъдодлилик, буюклик, даҳолик. *Демак, ҳақиқий талант билан генийлик бир-биридан кўп ҳам узоқ эмас.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ГЕНОФОНД, генетик фонд [*юн.* genos – пайдо бўлиш + *лот.* fundus – асос] Миллатнинг асосий ирсий белгилари; бир типдаги организмларга хос бўлган хусусиятлар мажмуаси. *Бу эса жиноятчиликнинг ўсишига, ёшларнинг бузилишига, ҳатто миллатнинг генофонди айнишига сабаб бўлади.* Газетадан. *Халқимизнинг президент раҳнамолигида миллат генофондини соғломлаштириш ғояси билан XXI асрга кириб келиши жуда муҳим тарихий воқеадир.* Газетадан.

ГЕНОЦИД [*юн.* genos – уруғ, қабила + *лот.* caedo – ўлдираман] Аҳоли гуруҳларини уларнинг ирқи, миллати, дини ва ш. к. хусусиятларини рўкач, асос қилиб, қисман ёки бутунлай қириб ташлаш.

ГЕО- [*юн.* ge – Ер] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, Ерга алоқадорлик маъносини ифодалайди, мас., *география, геология.*

ГЕОБОТАНИКА [гео.. + ботаника] Ўсимликлар туркумларининг Ер юзида муҳит билан боғлиқ ҳолда жойлашишини ва тақсимланиш қонуниятларини ўрганадиган фан. *Геоботаника номи билан юритилувчи соҳа ер қаърининг сир-асроридан кишиларни воқиф этиб туради.* Газетадан.

ГЕОГРАФ География мутахассиси. *Буюк математик, астроном ва географ, ҳозирги замон алгебрасининг отаси Муҳаммад ал-Хоразмий VIII аср охири – IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди.* «Фан ва турмуш».

ГЕОГРАФИК Географияга оид. *Географик атлас. Географик ном.* ▬ *Бу ҳаракат прогрессив, инсоний ҳаракатдир, бу ҳаракат тор, миллий, ирқий ёки географик доираларда чулғаниб қолаётгани йўқ.* «ЎТА».

ГЕОГРАФИЯ [гео.. + *юн.* grapho – ёзаман] **1** Ер курраси ва унинг сатҳини, иқлимини, Ер юзида аҳоли ва моддий ресурсларнинг жойланишини, турли ҳудуд ва мамлакатларда ишлаб чиқариш шароити ва ишлаб чиқаришнинг тараққиёти хусусиятларини ўрганувчи табиий ва ижтимоий фанлар мажмуи. *Табиий география. Иқтисодий география. География таълими.* ▬ *-Нега ўқимайди, ўқийди, – деди география ўқитувчиси Дилфузага қараганча бош силкиб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Муаллимлари бошчилигида географиядан экскурсияга келишган эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Бирор нарсанинг Ер юзида ёки унинг маълум ҳудудида тарқалиш, тақсимланиш доираси. *Ҳайвонот географияси. Тупроқ географияси.*

ГЕОДЕЗИК Геодезияга оид. *Геодезик чизиқ.* ▬ *Вилоят газетасида Самарқанд давлат университетининг доценти Амир Хатипов геодезик йўл билан ер ости ёдгорликларини аниқламоқчи деган ахборот босилди.* «Гулистон».

ГЕОДЕЗИСТ Геодезия мутахассиси. *Пешма-пеш тозаланган ерларга текисловчилар кетидан геодезистлар, геологлар етиб келдилар.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ГЕОДЕЗИЯ [гео.. + *юн.* daio – бўламан, ажратаман] Ернинг шакл ва ўлчамларини аниқлаш, Ер юзасини план ва хариталарда акс эттириш тўғрисидаги, турли хил муҳандислик-техник ишларни амалга оширишдаги ўлчамлар ҳақидаги фан. *Район архитектори қўлида машина ҳам, геодезия асбоблари ҳам йўқ.* Газетадан.

ГЕОКИМЁ [гео.. + кимё] Ернинг кимёвий таркибини, унда кимёвий элементларнинг тарқалиши, уларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши қонуниятларини ўрганувчи фан.

ГЕОКИМЁВИЙ Геокимёга оид, алоқадор. *Геокимёвий жараёнлар.*

ГЕОЛОГ Геология мутахассиси. *Қултой уйдан қочиб, Сибирда геологлар отрядида юкчи бўлиб юрганини мақтаниб гапирди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ГЕОЛОГИК Геологияга оид. *Геологик харита. Геологик қидириш. Геологик жараён.* ▬ *У вақтда ўша жойларнинг геологик харитаси ҳам йўқ эди.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

Геологик вақт Тоғ жинси қатламининг пайдо бўлишига кетган, бир ёки бир неча миллион йилга тенг бўлган вақт.

ГЕОЛОГИЯ [гео.. + *юн.* logos – тушунча, таълимот] Ер қобиғи ва Ернинг тузилиши, таркиби ҳамда ривожланиш тарихи, фойдали қазилмаларни қидириш усуллари ҳақидаги фанлар мажмуи. *Олтин муаммосини ҳал этиш – геология олдида кўндаланг турган ғоят улкан вазифалардан бири.* С. Кароматов, Олтин қум.

ГЕОМЕТРИК Геометрияга оид. *Геометрик шакл. Геометрик аксиома.* ▬ *Айтишларига кўра, бу ер Пекин шаҳрининг геометрик маркази ҳисобланар экан.* «Шарқ юлдузи».

ГЕОМЕТРИЯ [гео..+ *юн.* metreo – ўлчайман] Математиканинг фазовий шакллар ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган бўлими. *Евклид геометрияси.*

ГЕОМОРФОЛОГИК Геоморфологияга оид, алоқадор. *Маълумки, одамларнинг географик объектларни номлаш тажрибасида шу жойларнинг геоморфологик хусусиятлари муҳим ва асосий белгилардан ҳисобланган.* «ЎТА». *Умумий маълумотлардан Синтобнинг геоморфологик характеристикасига етгач,*

Шерали ҳар бир ҳарфни ҳижжалай бошлади. С. Кароматов, Олтин қум.

ГЕОМОРФОЛОГИЯ [гео.. + морфология] Ер юзаси (қуруқлик, денгиз ва океанларнинг туби) рельефи, унинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи ҳақидаги фан. *Далага чиқишдан илгари, текширилмоқчи бўлган жойнинг геологияси, геоморфологияси, рельефи, гидрогеологияси, ўсимлиги билан тўлиқ ва пухта танишмоқ лозим.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

ГЕОПОЛИТИК *қ.* **геосиёсий.** *Бу ерда дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг геополитик ва стратегик манфаатлари тўқнашади.* Газетадан. *Шахсан мен Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик алоқалари нафақат олис истиқболга мўлжалланган геополитик, балки инсоний нуқтаи назардан ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир, деб биламан.* Газетадан.

ГЕОПОЛИТИКА [гео.. + *юн.* politike – давлатни бошқариш санъати] *қ.* **геосиёсат.**

ГЕОСИЁСАТ [гео.. + сиёсат] Муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига таъсирини ифодаловчи сиёсатшунослик назарияси.

ГЕОСИЁСИЙ Геосиёсатга, географик сиёсатга асосланган, алоқадор. *Ўзбекистоннинг қатъий (аксилфундаменталистик) муносабати нафақат минтақада, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам геосиёсий мувозанатни сақлашга кўп жиҳатдан кафолат беради.* «Фан ва турмуш».

ГЕОСТРАТЕГИК [гео.. + *юн.* strategia – қўшинни бошлаб бориш] Ҳудудий-стратегик жиҳатдан муҳим. *Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудуди ноёб геостратегик макон бўлиб, бой маданий мерос, қадимий цивилизация ва гўзал анъаналарга эга.* Газетадан.

ГЕОСФЕРА [гео.. + *юн.* sphaira – шар] Ернинг концентрик қобиқларидан бири. *Тошкент заминини Ер марказигача уч асосий қобиққа, яъни геосферага ажратиш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ГЕОФИ́ЗИК Геофизика мутахассиси.

ГЕОФИЗИ́К Геофизикага оид. *Геофизик тадқиқотлар.*

ГЕОФИЗИКА [гео.. + физика] Ер шарининг умумий физик хоссаларини ва унинг турли қатламларида содир бўладиган жараёнларни ўрганадиган фанлар мажмуи. *Геофизика институти маълумотида кўрсатилганидек, об-ҳавонинг айниши мўлжалдагидан анча олдин бошланди.* «Фан ва турмуш».

ГЕОФОН [гео.. + *юн.* phone – товуш, садо] *махс.* Ер қобиғининг юқори қатламларида тарқалувчи товуш тўлқинларини қабул қилувчи асбоб.

ГЕОХИМИК *қ.* **геокимёвий.**

ГЕОХИМИЯ *қ.* **геокимё.**

ГЕОЦЕНТРИК [гео.. + *лот.* centrum < *юн.* kentron – тўплаш, тўпланиш; марказ]: **геоцентрик система** Ер – коинот маркази, Қуёш ва б. сайёралар унинг атрофида айланади, деб ҳисобловчи таълимот. *Марказида Ер турган олам системаси геоцентрик система дейилади.* «Астрономия».

ГЕПАРД [*фр.* guepard] Мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич сутэмизувчи ҳайвон.

ГЕПАТИТ [*юн.* hepar, hepatos – жигар] Жигарнинг яллиғланиши. *Вирусли гепатит юқумли касаллик бўлиб, унда асосан жигар шикастланади.* «Фан ва турмуш».

ГЕРАЛЬДИКА [*лот.* heraldus – жарчи, хабарчи] *айн.* **гербшунослик.**

ГЕРБ [*пол.* herb < *нем.* Erbe – мерос] Давлат, шаҳар, табақа, уруғ ва ш. к. нинг байроқ, пул, муҳр кабиларда тасвирланган алоҳида фарқли белгиси. *Ўзбекистоннинг давлат герби.* ▬ *Ҳамқишлоқлар дилида Яшайди шундай истак: Гербимизни пахтадай Безасин кумуш ипак.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

ГЕРБАРИЙ [*лот.* herbarium – ўт-ўлан, ўсимликлар ҳақидаги китоб] Маълум (илмий, таълимий) мақсадлар учун ўзига хос усулларда йиғиб олиб қуритилган ўсимликлар мажмуи. *Доривор ўсимликлар гербарийси.* ▬ *Бу ўлжаларни мактаб биология кабинетига тўплаб, болалар билан гербарийлар ясарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ГЕРБИЦИДЛАР [*лот.* herba – ўт + caedo – ўлдираман] *қ.х.* Бегона ўтларни йўқотиш учун қўлланадиган кимёвий моддалар. *Чигитни ерга экиш билан бир пайтда ўғит, гербицид ҳам солиш лозим.* Газетадан. *Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди.* Газетадан.

ГЕРБШУНОСЛИК Тарих фанининг гербларни ўзига хос тарихий манбалар сифатида ўрганувчи ёрдамчи соҳаси. *Насабшунослик (генеалогия) ва гербшунослик (геральдика) — ҳали ўрганилмаган жабҳалар.* «Мулоқот».

ГЕРДАЙМОҚ 1 Виқор билан кўкрагини кериб, қаддини ростлаб юрмоқ. *Барот полвон девдай гердайиб турган мингбошининг ёнига борди.* М.Исмоилий, Фарғона т.о. *Бойвачча кўчада, халқ орасида қандай бўлса, уй ичида ҳам шундай гердайган, зуғумли эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ортиқ даражада мағрурланмоқ, манманлик қилмоқ, керилмок, кеккаймоқ. *Маълумотим етарли, деб гердайган киши кўп билимлардан бебаҳра қолади.* Р. Усмонов, Одобнома. *Ғафур Ғуломнинг бу гаплари, албатта, ҳозиргина кириб келган, арузда тўрттагина ғазал ёзиб гердайиб юрган кишига ишора эди.* Шукрулло, Сайланма.

ГЕРИАТРИЯ [*юн.* geron — кекса, қари + iatreia — даволаш, ғамхўрлик] Тиббиётнинг кексаларга хос касалликларни, уларнинг кечиш хусусиятларини ўрганадиган, бундай касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқадиган бўлими.

ГЕРМА [*юн.* herma < савдо ва даромад худоси Hermes номидан] Юқори учи одамнинг боши шаклида тугалланувчи тўрт бурчакли устун.

ГЕРМАН *қ.* **германлар.**

ГЕРМАНИЗМ *тлш.* Герман тилларидан, асосан немис тилидан ўзлаштирилган сўз ва иборалар.

ГЕРМАНИЙ [*лот.* Germanium < кашфиётчи олимнинг ватани — Германия номидан] Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент, қаттиқ оқ-кулранг металл. *Яримўтказгичлар ҳосил қилишда германий, селен, теллур, индий, галлий каби нодир металлар муҳим роль ўйнайди.* «Фан ва турмуш».

ГЕРМАНИСТ Германистика мутахассиси.

ГЕРМАНИСТИКА 1 Герман тилли халқларнинг тиллари, адабиёти, тарихи, моддий ва маънавий маданиятини ўрганадиган илмлар мажмуи.

2 Тилшуносликнинг герман тилларининг шаклланиш жараёнлари ва қонуниятларини ўрганадиган соҳаси.

ГЕРМАНЛАР [*лот.* germanus — қардош, қариндош, яқин киши; ҳақиқий] **1** Марказий, Ғарбий ва Жануби-ғарбий Европада яшаган қадимий қабилаларнинг умумий номи.

2 *айн.* **немислар.**

ГЕРМЕТИК [*юн.* Hermes — идишларни зичлаб беркитишни ўйлаб топган мисрлик олим номидан] Зич беркитиладиган, ҳаво ёки суюқликни мутлақо ўтказмайдиган. *Герметик идиш.* ▬ *Борди-ю, у ерда герметик эшикнинг бирон ери дарз кетиб, ичкарида сиқилган ҳаво отилиб чиқаётган бўлса-чи!* А. Мухтор, Туғилиш.

ГЕРМЕТИКЛИК Ҳаво ёки суюқликни мутлақо ўтказмаслик. *Корабельников газ қудуқларининг пухта герметиклигини таъмин этадиган комплекс тадбирлар кўришни таклиф қилди.* И. Раҳим, Тақдир.

ГЕРОИН [*фр.* heroine] Кучли таъсир этувчи наркотик модда. *Героин билан қўлга тушмоқ. Героин савдоси.*

ГЕРОНТОЛОГИЯ [*юн.* geron, gerontos — қари, кекса + logos — тушунча, таълимот] Тиббиёт ва биология фанларининг тирик организмлар, жумладан, одамнинг қариш жараёнини ўрганувчи бўлими. *Конференция қатнашчилари геронтология ва гериатриянинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиб, узоқ яшаш муаммоларини ишлаб чиқишди.* Газетадан.

ГЕРЦ [немис олими Г. Герц (Hertz) номидан] *физ.* Даврий тебранишлар частотасининг ўлчов бирлиги. *Частота — бу бир секунддаги тўлиқ тебранишлар сонидир, у герц билан ўлчанади.* «Фан ва турмуш».

ГЕРЦОГ [*нем.* Herzog — сайланган ҳарбий бошлиқ] Ғарбий Европада юқори табақа дворянларга, князларга бериладиган олий унвонлардан бири ва шу унвонга эга бўлган шахс.

ГЕСТАПО [*нем.* Gestapo < Geheime Staatspolizei — махфий давлат полицияси] Гитлерчилар Германиясида: антифашистларга нисбатан қонли кураш йўлини тутган яширин давлат полицияси. *Икки қўлим кишанда, Гестапо қилар сўроқ.* Ё. Мирзо.

ГЕСТАПОЧИ Гестапода хизмат қилувчи киши.

ГЕТМАН [*пол.* hetman < *нем.* Hauptmann — бошлиқ] **1** 16-17-асрларда Украинада: казак қўшинларининг сайлаб қўйиладиган бошлиғи; 17-18-асрларда: Украина ҳокими.

2 16-18-асрларда Польшада ва Литвада: давлат ҳарбий кучларининг бош қўмондони.

ГЕТРА [*фр.* guetres] Оёқнинг тиззадан тўпиққача бўлган қисмини қоплаб турувчи иссиқ пайпоқ тури.

ГИАЦИНТ [*юн.* Hyakinthos – гулга айлантирилган мифологик йигит номидан] Пиёзгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. *Тошкент шаҳрининг кўпгина кўчалари гиацинт, шойигул.. ва бошқа гуллар билан безанди.* Газетадан.

ГИББОН [*ингл.* gibbon] Шарқий Осиё мамлакатларида дарахтда яшовчи кичкина, одамсимон маймуннинг бир тури.

ГИБРИД [*лот.* hibrida – қон қўшилиши; дурагай, чатишма] Чатиштириш, дурагайлаш натижасида ҳосил қилинган янги ўсимлик ёки ҳайвон; дурагай. *Гибрид уруғ. Гибрид қўй.* ▬ *Умиднинг гулларга маҳлиё бўлиб турганини кўрган Салимхоннинг укаси гап қотди: -Мана бу немис гибриди, «Ҳейне» деб аталади.* Мирмуҳсин, Умид.

ГИБРИДЛАШ Ўсимлик ёки ҳайвонларнинг янги нав-жинсларини етиштириш мақсадида уларнинг турли нав ёки жинсларини ўзаро чатиштириш. *Паррандачиликда ҳам.. наслчилик ишига, гибридлашга эътибор бериш лозим.* Газетадан.

ГИБРИДЛАМОҚ Дурагайлаш, чатиштириш йўли билан янги нав етиштирмоқ.

ГИГАНТ [*юн.* gigantos – улкан, жуда катта] **1** *сфт.* Жуда катта, улкан; буюк. *Гигант қурилиш.* ▬ *Одимловчи гигант экскаватор, Шаҳдам юриб борар, мисли паҳлавон.* Ф. Зоҳид Туямўйин қўшиғи.

2 *от* Ўз иши, ажойиб хислатлари билан бирор соҳада салмоқли ўрин эгаллаган шахс, буюк сиймо. *Навоий каби гигант санъаткорлар ижодида, масалан, дидактикага ҳам катта ўрин берилган.* Газетадан.

ГИГИЕНА [*юн.* hygieinos – шифобахш, соғломлаштирувчи] Тиббиётнинг инсон организмига ташқи муҳитнинг турли-туман омиллари таъсирини ўрганадиган ва шу асосда касалликларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш чоралари ва қоидаларини ишлаб чиқадиган бўлими. *Гигиена қоидалари.* ▬ *Бир куни райондан доктор келиб, «Кундалик турмушда гигиена» мавзуида лекция ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГИГИЕНИК **1** Гигиенага оид; гигиена талабларига асосланган. *Гигиеник қоидалар.*

2 Гигиена талабларига жавоб берадиган. *Гигиеник кийим.*

ГИГРО- [*юн.* hygros – нам, ҳўл] Байналмилал ўзлашма сўзлар таркибида келиб, намлик, намгарчиликка алоқадорликни билдиради, мас., *гигрометр.*

ГИГРОМЕТР [гигро.. + *юн.* metreo – ўлчайман] Ҳаво намлигини ўлчайдиган асбоб.

ГИГРОСКОПИК [гигро.. + *юн.* skopeo – кўраман] Намни тез ўзига тортиб оладиган, намга ўч. *Гигроскопик пахта.* ▬ *Ундан гигроскопик намнинг камайиши тайёр маҳсулотнинг механик мустаҳкамлиги ортишига имкон беради.* «Фан ва турмуш».

ГИД [*фр.* guide – йўл бошловчи; ўтказгич] Туристларни, сайёҳларни шаҳарнинг ёки бирор ҳудуднинг хушманзара, диққатга сазовор жойлари билан таништирадиган шахс. *Юртимизда ҳозир ёлғиз Бамаъни инглиз шу! – Ҳазилкаш гид кулдирмоқчи, Кўзида эса қайғу.* А. Мухтор, Афинада Байрон ҳайкали.

ГИДИР I [*а.* كدر – хижолат; ташвиш; ғам-алам] **1** Ёмон ният, ғараз; кек. *Кўнглида гидири йўқ одам.* ▬ *Кек, гидирни билмайдиган Шерали Каримга қараб кулди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *кўчма* Шубҳа; хавотир. *Майорнинг бунчалик очилиб гаплашиши Аъзамнинг кўнглидаги гидирини тарқатгандек бўлди, руҳи ёришди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ГИДИР II [*юн.* гидро] *с. т.* Гидростанция. [*Ражаб бобо*:] *Гидир қураётганимизни айтдим, бечора бирам севинди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бўзсув дамланиб, гидир бўлармиш.* А. Абдуқодиров, Бўзсувдан Сирдарёгача.

ГИДРАВЛИК **1** Суюқлик босими таъсирида ишлайдиган. *Гидравлик пресс.* ▬ *У* [*Шодиев*] *гидравлик усулда бошқариладиган янги мола ихтиро қилди.* Газетадан.

2 Гидравликага оид, алоқадор. *Гидравлик қонуният.*

ГИДРАВЛИКА [*юн.* hydor – сув + aulos – найча] Суюқликларнинг мувозанати ва ҳаракати қонунларини ўрганадиган ҳамда улардан фойдаланиб, гидротехниканинг амалий масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган фан; механика бўлими.

ГИДРАНТ [*юн.* hydor – сув] Водопровод қувурлари йўлига ўрнатилган сув олиш крани. *Қанчадан-қанча гидрантлар, маккажўхори далалари орқада қолиб кетди.* Ш. Ғуломов, Бўз ерлик бўз йигитлар.

ГИДРАТЛАНИШ [*юн.* hydor – сув] *ким.* Турли кимёвий моддаларнинг сув билан бирикиши.

ГИДРАТЛАР [*юн.* hydor – сув] *ким.* Турли кимёвий моддаларнинг гидратланиши натижасида ҳосил бўладиган қаттиқ, суюқ ва газ ҳолидаги моддалар.

ГИДРЕМИЯ [гидро.. + *юн.* haima – қон] Қонда сувнинг кўпайиб кетиши, қоннинг суйилиши.

ГИДРИДЛАР [*юн.* hydrogen – сув ҳосил қилувчи < hydor – сув + genos – туғилиш, пайдо бўлиш] Водороднинг бошқа элементлар билан ҳосил қилган бирикмалари.

ГИДРО- [*юн.* hydor – сув, суюқлик, намлик] Байналмилал ўзлашма сўзлар таркибида келиб, сувга, сув ҳавзаларига, намлик ва водородга алоқадорликни билдиради, мас.: *гидрология, гидробиология, гидридлар.*

ГИДРОАКУСТИКА [гидро.. + акустика] Акустиканинг товушнинг сувда тарқалиш, қайтиш ва сўниш хусусиятларини ўрганадиган бўлими.

ГИДРОБИОЛОГИЯ [гидро.. + биология] Биологиянинг сувда яшовчи организмлар ҳаётини, уларнинг яшаш шароити билан ўзаро муносабатини ўрганадиган бўлими.

ГИДРОГЕНЕРАТОР [гидро.. + генератор] Сувнинг ҳаракат энергиясини электр энергиясига айлантирадиган генератор.

ГИДРОГЕОЛОГ Гидрогеология мутахассиси. *Сўзига далил сифатида у сўнгги беш йил ичида гидрогеологлар ва тупроқшунослар тўплаган маълумотларни келтирди.* «Гулистон».

ГИДРОГЕОЛОГИК Гидрогеологияга оид. *Гидрогеологик тадқиқот.*

ГИДРОГЕОЛОГИЯ [гидро.. + геология] Геологиянинг ер ости сувларининг пайдо бўлиши, оқиши ва бошқа хусусиятларини ўрганадиган бўлими.

ГИДРОДИНАМИК Гидродинамикага оид. *Гидродинамик текширишлар.*

ГИДРОДИНАМИКА [гидро.. + динамика] Гидромеханиканинг суюқликлар ва газлар ҳаракатини ҳамда уларнинг нисбий ҳаракатида учраган қаттиқ жисмлар билан ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

ГИДРОИЗОЛЯТОР [гидро.. + изолятор] Иншоотларни сув ёки бошқа емирувчи суюқликлар таъсиридан сақловчи материал. *Ҳозирча Тошкент лак-буёқ заводи бунинг учун зарур миқдорда гидроизолятор тайёрлаб беради.* Газетадан.

ГИДРОИНШООТ [гидро.. + иншоот] *айн.* **гидротехник иншоот** *қ.* **гидротехник**. *Гигант каналнинг мураккаб шароитларда қурилганлиги гидроиншоот қурувчиларининг оммавий қаҳрамонлигидан ҳам далолат беради.* Газетадан.

ГИДРОКИМЁ [гидро.. + кимё] Гидросферани ташкил қилувчи сувларнинг кимёвий таркибини ҳамда уларнинг турли жараёнлар таъсирида ўзгариш қонуниятларини ўрганадиган фан.

ГИДРОКОРТИЗОН [гидро.. + *лот.* cortex – пўст] Ревматизм, лейкоз каби касалликларни даволашда ишлатиладиган дори. *Гидрокортизон сутсимон оқ суюқлик бўлиб, оғзи беркитилган шишаларда сақланади ва фақат врачнинг рухсати билангина қўлланади.* «Фан ва турмуш».

ГИДРОЛИЗ [гидро.. + *юн.* lysis – ажралиш, парчаланиш] *ким.* Мураккаб моддаларнинг сув таъсири билан таркибий қисмларга ажралиб, янги моддалар ҳосил бўлиши. *Гидролиз саноати.* ▬ *Озуқа ачитқилари қимматли оқсил ем ҳисобланади. Бундай ачитқиларни гидролиз саноати қамиш, ғўзапоя ва похолдан тайёрлаб бериши мумкин.* Газетадан.

ГИДРОЛИЗЧИ Гидролиз саноатида ишловчи ходим. *Гидролизчилар янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.* Газетадан.

ГИДРОЛОГ Гидрология мутахассиси. *Бу ерга гидролог профессор И.Я.Каминский бошлиқ тажрибали чўлқуварлар келишди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ГИДРОЛОГИК Гидрологияга оид. *Гидрологик харита.*

ГИДРОЛОГИЯ [гидро.. + *юн.* logos – таълимот] Ер юзидаги сувларни, уларнинг буғланишини, қайта сувга айланишини, сингишини ва бошқа хусусиятларини ўрганадиган фан.

ГИДРОЛОКАТОР [гидро.. + *лот.* lokatio – жойлаштириш] Сув остидаги объектларнинг вазиятини аниқлайдиган гидроакустик асбоб.

ГИДРОМЕЛИОРАТИВ Гидромелиорацияга оид. *У ўтган йили Тошкентдаги ирригация инженерлари институтининг*

гидромелиоратив ишлар механизацияси факультетини битирди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ГИДРОМЕЛИОРАТОР Гидромелиорация мутахассиси. -*Ўзимизда гидромелиоратор бўлиб ишлайди, — дейди у* [*Амир Фармон Болтаев*]. Б. Маҳмудов, Олтин юлдузлилар.

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ [гидро.. + мелиорация] Ерлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун уларни қуритиш ёки суғориш орқали яхшилашга қаратилган турли чора-тадбирлар тизими.

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ [гидро.. + метеорология] Ернинг атмосферавий ва гидрологик шарт-шароитларига алоқадор жараёнларни ўрганадиган фан. *Халқ хўжалиги гидрометеорологияга ишонади. Чунки бу фан ҳар қандай бало-қазони олдиндан айтиб беради.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ГИДРОМЕХАНИЗАЦИЯ [гидро.. + механизация] Ер қазиш ва кон ишларини сув оқими энергияси ҳисобига бажариш усули.

ГИДРОМЕХАНИКА [гидро.. + механика] Механиканинг суюқликлар ва газларнинг мувозанати ва ҳаракатини, шунингдек, суюқлик билан унга ботирилган қаттиқ жисмларнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

ГИДРОНАСОС [гидро.. + насос] Сув насоси. -*Гидронасоснинг трубаси ёрилиб кетди, — деди у ҳаяжонда, бошқа цехлардан чопиб келган кишиларга.* Газетадан.

ГИДРОНИМ [гидро.. + *юн.* onyma — ном] Дарё, сув ҳавзаларининг номи. *Дарҳақиқат, **Мурғоб** гидроними суғд тилидаги «марг» ўзаги билан алоқадор.* «ЎТА».

ГИДРОПОДЪЁМНИК [гидро.. + подъёмник] Сув кучи билан ишлайдиган кўтаргич механизм.

ГИДРОПОНИКА [гидро.. + *юн.* ponos — иш, меҳнат] *қ. х.* Ўсимликларни тупроқсиз, озиқлантирувчи эритма ёрдамида ўстириш. *Институтнинг.. тажриба базасида гидропоника усулларида моллар учун озуқа етиштириш йўлга қўйилди.* Газетадан.

ГИДРОСАМОЛЁТ [гидро.. + самолёт] Сувдан кўтарилиш ва сувга қўнишга мосланган самолёт. *Гидросамолёт созлангач, парвозда давом этди.* «Фан ва турмуш».

ГИДРОСТАНЦИЯ *айн.* **гидроэлектростанция.** *Гидростанция энди қуёшда ўзининг азамат гавдасини ва ойна кўзларини чақнатар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Буни Канизак ҳам кўрди ва у ҳам суюниб: -Электр! «Янги турмуш» гидростанциясини юргизишипти! — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГИДРОСТАТ [гидро.. + статика] Сув ости тадқиқотлари ва ишларини бажаришга мўлжалланган аппарат.

ГИДРОСТАТИК Гидростатикага оид. *Гидростатик босим.*

ГИДРОСТАТИКА [гидро.. + статика] Гидромеханиканинг суюқликлар мувозанатини ва уларга ботирилган жисмларга суюқликнинг таъсирини ўрганадиган бўлими.

ГИДРОСФЕРА [гидро.. + сфера] Ер юзидаги барча сувлар (океан, денгиз, кўл, дарё ва б..) мажмуи.

ГИДРОТЕРАПИЯ [гидро.. + терапия] Сув билан муолажа қилиш, даволаш. *Гидротерапия (сув воситаси билан даволаш), қуёш ва балчиқлар билан даволаш, қисман сувдан фойдаланиш (ёз мавсумида) каби даволашлар мавжуддир.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ГИДРОТЕ́ХНИК Гидротехника мутахассиси.

ГИДРОТЕХНИ́К Гидротехникага оид. *Мураккаб қурилиш ишларида, кўмир ва маъдан қазишда, шунингдек, гидротехник ишларда тебранма ҳаракат асқатади.* «Фан ва турмуш».

Гидротехник иншоотлар Табиий ва сунъий сув оқимларидан фойдаланиш ёки сувнинг емириш таъсирига қарши курашиш учун қуриладиган иншоотлар (каналлар, тўғонлар, гидроэлектростанциялар, суғориш иншоотлари ва ш. к.).

ГИДРОТЕХНИКА [гидро.. + техника] Техниканинг сув ресурсларидан халқ хўжалигида фойдаланиш ва турли хил сув офатларига қарши курашиш мақсадида қуриладиган гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари билан шуғулланадиган соҳаси. *Чорвоқ сув омбори бизда катта таассурот қолдирди. Бу жойда тўпланган сув муносиб бойликдир. Биз бундай иншоотлар ҳақида, Ўзбекистонда яратилган гидротехника иншоотлари ҳақида, суғориладиган ҳосилдор ерлар ҳақида орзу қилаяпмиз.* Газетадан

ГИДРОТУРБИНА [гидро.. + турбина] Сув оқими билан ҳаракатга келадиган парракли гидравлик двигатель. *Ҳозир анави одамлар гидротурбинани ўрнаштираётибди.* С. Анорбоев, Ишон, денгиз бўлади.

ГИДРОУЗЕЛ [гидро.. + *р.* узел – тугун; туташиш жойи] Жойлашиши ва уйғунликда ишлашига кўра бирлашган бир қанча гидротехник иншоотлар (канал, тўғон, гидростанция ва ш. к.) мажмуи. *Оҳангарон дарёсига қурилган гидроузелнинг эса сув ўтказиш нормаси секундига энг кўпи билан 750 кубометр.* Газетадан.

ГИДРОФИЗИКА [гидро.. + физика] Гидросферада юз берадиган физикавий жараёнларни, сувнинг физик хоссаларини ўрганадиган фан.

ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ Сув оқими энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи механизмлар билан жиҳозланган электростанция. *Ўзбекистонда қудратли гидроэлектростанциялар қуриб, ишга туширилган.* Ш. Рашидов.

ГИДРОЭНЕРГЕТИК Сув энергиясидан фойдаланишга оид. *Гидроэнергетик ресурслар.*

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА [гидро.. + энергетика] Энергетиканинг гидроэлектростанцияларда сув энергиясидан асосан электр энергияси ҳосил қилишда фойдаланиш билан боғлиқ бўлими. *Республикада гидроэнергетика ресурсларининг жуда катта манбалари ҳам мавжуд.* Газетадан.

ГИЁ *қ.* **гиё(ҳ)** **1**. *Куйганидан табиб бўлиб юрибди, Гиёни қуритиб, дори қилибди.* «Баҳром ва Гуландом».

ГИЁ(Ҳ) [*ф.* گیاه – набобот, ўт, ўсимлик] **1** *айн.* **ўт** II. *Доривор гиёҳлар.* ▬ *Тонг ели овлоқ қир гиёҳларининг сал тахир, ўткир ҳидларини уфурарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Худо яшар ҳар бир гиёҳда, Ҳар дарахтда бордир диёнат.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

2 Баъзи ўсимликларнинг ширасидан тайёрланадиган наркотик моддалар (наша, қорадори, кўкнор ва ш. к.). *Зиндон бошлиғи гиёҳ еб, пинакка кетгандай, шам ёнида мудраб ўтирарди.* Ойбек, Навоий.

ГИЁҲВАНД Наша, қорадори, кўкнор ва ш. к. наркотикларни истеъмол қилишга одатланган одам; банги, нашаванд. *Урушнинг совуқ таъсири кўкнорихона – такяга ҳам кириб келган эди: гиёҳвандлар ҳам сиёсатдан гапиришадиган бўлиб қолган эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ГИЁҲВАНДЛИК Наша, кўкнори ва бошқа наркотик моддалар истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати; бангилик. *Гиёҳвандлик ёмон иллат бўлиб, унга берилиб қолган одам охир-оқибат тирик мурдага айланади.* Газетадан. *Болаларда ҳалолликни тарбиялашга салбий таъсир кўрсатаётган шарт-шароитлардан бири – гиёҳвандлик.* «Саодат».

ГИЖБАНГ *тақл. с.* Чилдирмаларнинг баралла янграган овози. *Ичкаридаги ўйинкулги, қийқириқ, чилдирманинг гижбанги [Алижоннинг] юрагини тимдалади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Мастура яллачининг «ёрёри», шокилали чирмандасининг гижбанги бутун маҳаллага эшитилади.* К. Яшин, Ҳамза.

ГИЖБАНГЛАТМОҚ Чилдирмани баралла янгратиб чалмоқ. *Роса қизитилган чирмандаларни гоҳ-гоҳ гижбанглатиб қўяр эдилар.* Ойбек. О. в. шабадалар.

ГИЖГИЖЛАМОҚ Томонларни бир-бирига қарши қўйиб, улар орасида низо чиқармоқ. *Қўмондон яна шеригини гижгижлади.* «Шарқ юлдузи». *Ҳайтовур, ҳаммасидан ҳам болаларни гижгижлагани ёмон.* «Ёшлик».

ГИЖДА Чети қалин, доира шаклидаги нон. *Дастурхон турли-туман қанд-қурс, мева-чева, анвои мураббо, гижда, чап-чап патир, бўғирсоқлар билан зеб берилган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дастурхонда гижда, пахтадай оппоқ, Бобом келтиргандай туюлар менга.* Г. Жўраева.

ГИЖДАПАЗ Гижда нон ёпувчи; нонвой. *Толиби илмларнинг солган дастурхонида.. Навбаҳор гузари гиждапазларининг қаймоқ маза берадиган қизил гиждасидан тўртта қўйилган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ГИЖЖАЛАР Одам, ҳайвон ва бошқа тирик организмларда яшаб, касаллик пайдо қиладиган паразитларнинг умумий номи; гельминтлар. *Ичакда ўрнашиб олувчи пакана гижжа тухуми ҳам болалар яшовчи муҳитда кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

ГИЖИНГ Бўйнини гаж қилиб юрадиган; шўх, ўйноқи (от ҳақида). *Арава йўли ўрмондан бағри кенг даштга чиқди, рессорли енгил бричкага қўшилган гижинг қўш от илдам юра кетди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон

изидан. *Ҳали мен минмаган гижинг тулпор мўл, Ҳали мен қувмаган оху ҳам анча.* Миртемир.

ГИЖИНГЛАМОҚ 1 Бўйнини гаж қилиб ўйноқиламоқ (от ҳақида). *Той унинг [жувоннинг] остида гижинглар, ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *-Қорангни кўрсатмай кетдинг? —Иш кўп, дада. -Қайтага қизимни бермай турсам бўлар экан, — кулиб қўйди Мулло Мусо бобо, — кунора тойчоқ боладек гижинглаб келиб турардинг.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ГИЛ [*ф.* گل — лой; балчиқ] Чинни буюмлар ясаш учун ишлатиладиган оқ лой; каолин. *Чойнак, пиёла, кимёвий идишлар, изоляторлар ва бошқа жуда кўп нарсалар ана шу гилдан ясалади.* «Фан ва турмуш». *Цемент хом ашёси — оҳактош ва гил — конлардан қазиб олиниб, майдаланади.* «Фан ва турмуш».

ГИЛАМ [*ф.* گلیم — туксиз гилам, палос] **1** Одатда жун, ипакдан тўқилиб, ерга, полга тўшаладиган ёки безак учун хона деворларига осиб қўйиладиган уй жиҳози; бадиий тўқимачилик буюми. *Ипак гилам. Туркман гилами.* ▬ *Ости тахта пол бўлгани ҳолда, полнинг устига қизил гилам ташланган, икки ён деворга ҳам қизил гиламчалар қоқилган эди.* С. Айний. Қуллар. *Асл гиламлар тўшалган бу хонанинг тўрида ҳозир Аҳмад Танбал ўтирибди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма поэт.* Ер бетини қоплаб олган майса ёки гул. *Чўпон қўбуз чалиб, молларин ёйди Барқит гилам ёзган тепа, қирларга.* Уйғун. *Шамол майсалар орасида лола гиламларини силкийди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 *спрт.* Кураш тушиладиган спорт анжоми; татами. *Гиламда енгил вазнли полвонлар курашмоқдалар.*

ГИЛАМБОФ [гилам + *ф.* باف — тўқувчи] *айн.* **гиламдўз**.

ГИЛАМГУЛ [гилам + гул] Перу ва Бразилияда ўсадиган гулнинг бир тури.

ГИЛАМДЎЗ [гилам + *ф.* دوز — тўқувчи, тикувчи] Гилам тўқувчи. *Гиламдўз аёл.* ▬ *Мана, гиламдўзларнинг буюмлари. Улар ҳар хил материалларга ишланган.* Газетадан.

ГИЛАМДЎЗЛИК *айн.* **гиламчилик.** *Ўзбекистонда гиламдўзлик қаторида газлама ишлаб чиқариш қадимдан кенг ёйилган эди.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

ГИЛАМФУРУШ [гилам + *ф.* فروش — сотувчи] Гилам олиб сотувчи. *Миркарим бойваччанинг отаси Тўқсон бой энг катта гиламфуруш бойлардан эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГИЛАМЧИЛИК Гилам тўқиш касби, гилам тўқиш билан шуғулланиш. *Гиламчилик саноати.*

ГИЛВАТА [*ф.* گل‌بوته — ўтга чидамли лой] *геол.* Юмшоқ, кулранг тоғ жинси, гилмоя (халқ табобатида томоқ оғриғи, оғиз еликиши каби касалликларга қарши дори сифатида ишлатилган). *Майда савдогарлар сақич, гилвата сотишарди.* И. Раҳим, Ихлос. *Ҳалигина қуёш ёғдусида олмоссимон ялтираб турган тоғ ёнбағирлари тезда гилвата тусига кирди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ГИЛКОР [*ф.* گلکار — бинокор, сувоқчи; кулол] Ганч ёки алебастрдан нақш ясовчи мутахассис; ганчкор уста. *Бухородан келмиш сангтарош, Фарғоналик гилкор ҳам бунда.* М. Али, Гумбаздаги нур.

ГИЛКОРЛИК Ганчдан нақш ясаш билан шуғулланиш.

ГИЛМОЯ *айн.* **гилвата**. *Гилмоя табиатда ҳар хил: оқ, кулранг, қўнғир ва бошқа рангларда учрайди.* М. Зокиров, Бебаҳо хазиналар.

ГИЛОС [*ф.* گیلاس — гилос] **1** Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик мевали дарахт ва унинг меваси. *Сариқ гилос. Қизил гилос.* ▬ *Нурининг ҳовлисидаги гилослар гуллаган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГИЛОСЗОР Нуқул гилос экилган, гилос билан ишғол этилган ер, майдон. *Ҳовлининг уч томони бир уй, бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гилосзор боғча.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГИЛЬЗА [*нем.* Hülse — қобиқ] **1** Патрон, снаряд ва ш. к. ларда ичига порох ва ёнувчи модда тўлдириб, оғзига ўқ жойланадиган, юпқа деворли, таги берк металл цилиндр. *Катта йўлда эса болалар тўкилган ўқ, гильза ва ҳар хил бузилган қурол қисмларини териб, ўйнаб юрардилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Папирос ва сигаретларда ичига тамаки тўлдириладиган юпқа қоғоз найча. [*Акам*] *Тайёр гильзага тамаки тиқиб, папирос ясар эди.* Ғ. Ғулом, Кечмиш-кечирмишларимдан.

3 *тех.* Найча, цилиндр шаклидаги турли деталларнинг номи.

ГИМН [*юн.* hymnos — қадимги Грецияда худолар ва қаҳрамонлар мақтовига бағишланган қўшиқ] *қ.* **мадҳия.** *Баралла янграйди*

гимнимиз куйи, Ва байроқ ел билан ўйнар ҳилпираб. Ж. Жабборов.

ГИМНАЗИСТ Гимназия ўқувчиси. *Ўйга чўмиб, сув ёқалаб Келар бир ёш гимназист.* Э. Воҳидов, Нидо.

ГИМНАЗИЯ [*юн.* gymnasion – қадимги Грецияда таълимни гимнастика билан қўшиб олиб борувчи ўқув-тарбия муассасаси] Ўзбекистонда ва айрим хорижий мамлакатларда: бир қатор фанларни, одатда гуманитар фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган ўрта умумтаълим ўқув юрти. *Ўқув юртларининг янги шакллари – гимназиялар, лицейлар, коллежлар ривожланади.* Газетадан.

ГИМНАСТ [*юн.* gymnastes – гимнастика ўқитувчиси] *айн.* **гимнастикачи**. *Акробат, гимнаст, атлет – спортнинг шу турлари билан шуғулланувчи шахслар.* «ЎТА».

ГИМНАСТЁРКА [*р.*] Тик ёки қайтарма ёқали, устидан камар боғланадиган уст кўйлак (расмий ҳарбий кийим). *Нормат ўрнидан туриб, камарини қаттиқ тортиб, гимнастёркасини текислади-да, Адолатнинг олдига борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шерали гимнастёркасининг тугмасини ечиб, бўйнини уқалади.* С. Кароматов, Олтин қум.

ГИМНАСТИКА [*юн.* gymnastike < gymnazo – машқ қиламан] **1** Соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган жисмоний машқлар мажмуи. *Даволаш гимнастикаси. Гимнастика машқлари.*

2 Спортнинг бир тури. *Республикамиз пойтахтида ўтган куни эронлик гимнастика усталари билан Ўзбекистон гимнастикачиларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.* Газетадан.

ГИМНАСТИКАЧИ Гимнастика билан шуғулланувчи киши, гимнастика машқларини моҳирлик билан ижро этувчи спортчи. *«Юбилей» спорт саройида эса гимнастикачилар баҳси бошланди.* Газетадан.

ГИНА [*ф.* گله – шикоят; таъна] **1** Бирор кимсага нисбатан дилда сақланган хафалик, норозилик; кек. *Яхшида гина бўлмас.* Мақол. *Гина – адоватнинг қўшниси.* Мақол. ■ [*Ҳусайн*:] *Алишер, эски гиналарни унутинг. Гулига бўлган муҳаббатингиз туфайли, қадимий дўстлик ипларини узманг.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. [*Муҳаббат*] *Менга бўлган дилидаги гинасини сездирмасликка интилса-да, кўз қарашларида истеҳзо учқунларини сезиб турардим.* Ҳ. Назир, Муҳаббат.

Гина қилмоқ Бирор кишига нисбатан дилда хафалик, кек сақламоқ; кўнгилдаги хафаликни изҳор қилмоқ. *Жаҳлимдан тушганимдан кейин, шундай танамга ўйлаб қарасам, бечора ўртоғимдан.. гина қилишнинг ҳожати йўқ экан.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. -*Раҳбар билан сўз уриштириб чакки қилдингиз, отам, – деб тўсатдан гина қилди Ойимхон.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шикоят, арз-ҳол. *Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарларига айтадиган гиналаримиз бор.* Газетадан.

ГИНА-ГУДРАТ *айн.* **гина-кудурат**.

ГИНА-ГУДУР *айн.* **гина-кудурат**. *Баҳор ақлли қиз, мени хафа қилган эдинг, деб гина-гудур қилиб ўтирмади Пўлатга.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ГИНАДОР *айн.* **гинали**. -*Комиланинг келишини билсам, уйдан бир минут силжирмидим? – деди Зайнаб гинадор товуш билан онасига.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ГИНА-КУДУРАТ [гина + *а.* كدورت – лойқалик; хафачилик, ғам-ташвиш] Ҳар хил гина ва норозиликлар. *Онанинг гина-кудурати саратон ёмғиридек тез ўтиб бўлган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Отақўзи, ўғли билан тоғаси ўртасидаги гина-кудурат кўпга чўзилмас, деб умид қиларди.* О. Ёқубов, Диёнат. [*Лутфинисо*] *..келинларига қарши хаста кўкрагида йиғилган гина-кудуратни эзмалик билан, бирон сўзни ямламай, қизининг олдига тўкди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГИНАЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **гина қилмоқ** *қ.* **гина 1**. *Уста Олим ўз уйига дўкон қурган экан, гиналаб юрмасин, деб фотиҳага келган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ГИНАЛИ 1 Дилида гинаси бор, гина сақловчи, гинадор. *Гинали одам.*

2 Гина билан тўлиб-тошган, гина аралаш; гинаомуз. *Гинали гап.* ■ -*Шу вақтгача айтмадингиз-а? – гинали эркаланди Саодатхон.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

ГИНАОМУЗ [*ф.* گله‌آمیز – гина қилувчи; хафа бўлган] Гина оҳангидаги, гина аралаш. *Гинаомуз гап.* ■ -*Танимадингиз-а, Отабобо ака! — гинаомуз Охуновга кўз ташлади Имомов.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ГИНАХОНЛИК 1 Гина изҳор қилиш, дилда бор гиналарни очиқ-ойдин айтиш. *Зебо шинелини билагига солиб кириб келди. Она уни кўрди-ю, гинахонликка тушди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [*Олахўжа*] *Гапни гина-*

хонликдан бошлади: -Жуда қадамингни тийиб қўйдинг. Келиб тоғангдан, ҳолинг қалай, деб суриштирай ҳам демайсан-а. П. Турсун, Ўқитувчи.

Гинахонлик қилмоқ Гина изҳор қилмоқ. *-Бундан чиқди, биз ҳам сенга ҳеч ким бўлолмабмиз-да, — деб гинахонлик қилди Мусо.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Комил Ибодуллага гинахонлик қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *айн.* **гина 2.**

ГИНАЧИ Бўлар-бўлмасга гина қилаверадиган; гина, кек сақлайдиган. *Гиначи одам.*

ГИНАЧИЛИК Гина қилишлик, гина сақлашлик. *Олимжон ҳангу манг бўлиб қолди: раиснинг жиззаки ва гиначилигини энди кўриб тургани эди.* Ҳ. Назир, Қанотлар.

ГИНГИВИТ [*лот.* gingiva — милк + itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Милк шиллиқ қаватининг яллиғланиши.

ГИНЕКОЛОГ Гинекология мутахассиси; аёллар касалликлари врачи.

ГИНЕКОЛОГИК Гинекологияга оид. *Гинекологик операция.*

ГИНЕКОЛОГИЯ [*юн.* gyne, gynaikos — аёл + logos — таълимот, фан] Тиббиётнинг аёллар организмининг ўзига хос хусусиятларини, аёллар таносил аъзолари касалликларини ва уларни даволаш йўлларини ўрганадиган бўлими.

ГИПЕР- [*юн.* hyper — уст, юқори, нариги томон] Байналмилал ўзлашма сўзлар таркибида келиб, муайян нарса, ҳолатнинг меъёрдан ортиқлигини, бирор нарсанинг юқоридалигини кўрсатадиган олд қўшимча, мас., *гипервитаминоз, гиперинфляция.*

ГИПЕРБОЛА I [*юн.* hyperbole] *айн.* **муболаға 1.**

ГИПЕРБОЛА II [*юн.* hyperballo — бирор нарса орқали ўтаман] *мат.* Доиравий конусни унинг икки ясовчисига паралел текислик билан кесганда ҳосил бўладиган эгри чизиқ.

ГИПЕРБОЛИК I *ад.* Муболағали. *Достонларда илон-аждар реал хавфнинг гиперболик тасвиридир.* «ЎТА».

ГИПЕРБОЛИК II *мат.* Гиперболага оид; гиперболадан иборат бўлган. *Гиперболик функция.*

ГИПЕРВИТАМИНОЗ [гипер.. + витамин] *тиб.* Баъзи витаминларни меъёридан анча кўп истеъмол қилиш натижасида организмнинг заҳарланиши.

ГИПЕРЕМИЯ [гипер.. + *юн.* haima — қон] *тиб.* Муайян аъзо ёки гавда қисми томирларининг одатдагидан кўпроқ қонга тўлиши.

ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ [гипер.. + инфляция] *иқт.* Шиддат билан ривожланувчи ва иқтисодий ҳалокат, инқироз хавфини туғдирувчи инфляция. *У ишлаб чиқаришнинг пасайиши, гиперинфляциянинг кучайишига.. аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келмоқда.* Газетадан.

ГИПЕРТЕРМИЯ [гипер.. + *юн.* therme — иссиқлик; иситма] *тиб.* Иссиқликнинг меъёридан юқори бўлиши; организмнинг меъёридан ортиқ исиб кетиши.

ГИПЕРТО́НИК Гипертония касаллигига йўлиққан, қон босими ошиб кетган киши. *Гипертониклар истеъмол қиладиган парҳез овқат.*

ГИПЕРТОНИ́К Гипертонияга оид. *Гипертоник касаллик.* ▬ *Гипертоник кризисларнинг рўй беришига метеорологик омиллар, айниқса, атмосфера босимининг кескин ўзгариб туриши ҳам сабаб бўлади.* Газетадан.

ГИПЕРТОНИЯ [гипер.. + *юн.* tonos — таранглик; зўриқиш] *тиб.* Майда артериялар тонуси (таранглиги)нинг ортиши натижасида қон босимининг кўтарилиши. *Гипертония касаллиги дунёнинг ҳамма мамлакатларида кенг тарқалган.* «Фан ва турмуш».

ГИПЕРТРОФИЯ [гипер.. + *юн.* trophe — овқат; озиқланиш] *тиб.* Муайян аъзонинг ўзига хос ҳужайра элементлари ўсиб катталашуви натижасида шу аъзо ёки унинг бирор қисмининг ҳаддан зиёд катталашиб кетиши.

ГИПЕРФАЗО [гипер.. + фазо] Фазонинг юқори қисми. *Кемангиз гиперфазога кира олмайди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ГИПНОЗ [*юн.* hypnos — уйқу] **1** Бош миянинг муайян қисмларидаги тормозланиш оқибатида инсон ёки юқори умуртқали ҳайвонларда рўй берадиган ўзига хос уйқу ҳолати.

2 Кишини гипнотик уйқу ҳолатига келтириш орқали унга сўз билан таъсир ўтказиш ва шу йўл билан ундаги баъзи касалликларни даволаш усули. *Гипноз билан даволамоқ.* ▬ *Ўғрини гипноз билан тутаман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГИПНОЗЛАМОҚ 1 Гипноз ҳолатига келтирмоқ ва шу йўл билан даволамоқ.

2 Гап-сўз, авраш, муайян руҳий ҳолат ёки таъсир билан бирон кишининг инон-ихтиёридан айирмоқ, уни ўз измига солмоқ. *Йигитали балкон панжарасига суянганича, қанча вақт кутиб турганини билмайди. Худди у борлиқ сукунатининг қудрати билан гипнозланиб қолгандек эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ГИПНОЗЧИ Гипноз қилувчи киши; гипноз йўли билан даволовчи врач. *-Бирдан бешгача санайман, — оҳиста гап бошлади гипнозчи.* Газетадан.

ГИПО- [*юн.* hypo — остида, тагида] Байналмилал ўзлашма сўзлар таркибида келиб, муайян нарса, ҳолатнинг меъёрдан камлигини, пасайганлигини ёки қуйида эканлигини кўрсатадиган олд қўшимча, мас., *гиповитаминоз, гипотония.*

ГИПОВИТАМИНОЗ [гипо.. + витамин] Организмда витаминлар етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати.

ГИПОКИНЕЗИЯ [гипо.. + *юн.* kinesis — ҳаракат] Меҳнат фаолиятининг хусусиятига кўра ихтиёрий ҳаракатларнинг камайиб кетиши.

ГИПОСУЛЬФИТ [гипо.. + *лот.* sulphur — олтингугурт] Сульфит кислота тузларидан бири; бўёқ, қоғоз саноатида, фотографияда қўлланадиган кристалл модда.

ГИПОТЕЗА [*юн.* hypothesis — тахмин, фараз] Ҳали тажрибада синалмаган, исбот қилинмаган илмий тахмин, фаразия. *Обид Йўлдошевичнинг гипотезаси тўғри чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *У* [*Авлиё ака*] *сув ҳавзаларидаги майда ҳайвонларни ўрганиш натижасида уларнинг келиб чиқиши ва тараққий топиши ҳақида биология фанига янги гипотеза киритди.* Газетадан.

ГИПОТЕНУЗА [*юн.* hypoteinusa — бирор нарса остида чўзилувчи] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакнинг тўғри бурчак қаршисидаги томони.

ГИПОТЕРМИЯ [гипо.. + *юн.* therme — иссиқлик; иситма] *тиб.* Одам ва иссиқ қонли ҳайвонларда иссиқликнинг одатдагидан, меъёридан паст бўлиши.

ГИПОТОНИЯ [гипо.. + *юн.* tonos — зўриқиш, таранглик] *тиб.* Қон босимининг пасайиб кетиши.

ГИПОТРОФИЯ [гипо.. + *юн.* trophe — овқат; озиқланиш] *тиб.* Болалар овқатланишининг сурункасига бузилиши туфайли уларнинг аста-секин озиб кетиши.

ГИПОФИЗ [*юн.* hypophysis — ўсимта] *анат.* Одам ва барча умуртқали ҳайвонларда бош миянинг асос қисмида жойлашган, қондаги гормонлар иштирокида организмнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этадиган ички секреция безни. *Бу модда (рух) асосан гипофизда, ошқозон ости безида йиғилади.* «Фан ва турмуш».

ГИПОЦЕНТР [гипо.. + *лот.* centrum — марказ] Ер ости силкинишлари манбаи бўлган, зилзила бошланадиган жой; зилзила ўчоғининг маркази.

ГИППОЛОГИЯ [*юн.* hippos — от + logos — тушунча, таълимот] От, унинг ташқи кўриниши, анатомия ва физиологияси, уни кўпайтириш ва озиқлантириш, ундан фойдаланиш каби масалалар билан шуғулланувчи фан; отшунослик.

ГИППОПОТАМ [*юн.* hippopotamos — дарё оти] *қ.* **бегемот.**

ГИПС [*юн.* gypsos — бўр, оҳак] **1** Оқ, кулранг ёки сарғиш рангли минерал, кальций сульфат (пиширилиб, кукун ҳолига келтирилган гипс қурилиш материали сифатида ишлатилади). *Гипсдан ясалган ҳайкал. Гипс кони.* ▬ *Қуруқ иқлимли регионларда тош ва ош тузлари, калий, гипс тўпланади.* «Фан ва турмуш».

2 *тиб.* Чиққан, синган аъзони қимирламайдиган қилиб, тахтакачлаб қўйиш учун шу материалдан қўйилган боғлама. *Максимнинг ҳисобича, Норматнинг оёғидаги гипсни олишга яна бир кун бор эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Иккита койкадаги ярадорлар тузалиб, куни кеча фронтга жўнаб кетишди. Оёқлари гипсда тахтакачлаб қўйилган учувчи-лейтенант билан чўлоқ старшина қолишди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ГИПСЛАМОҚ 1 Шикастланган аъзони гипс билан боғламоқ; тахтакачламоқ. *Оёқни гипсламоқ.* ▬ *Хирурглар кенг гулзор ўртасига стол қўйиб, синиқларни гипсламоқда, ярадорларни бинтламоқда.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 *қ.ҳ.* Ерни майдаланган хом гипс билан ўғитламоқ.

ГИР [*ф.* گرد — юмалоқ; доира, айлана] Айлана, доира. *Беш-олти бола жам бўлиб, бир уй ичига ерни айлана қилиб чизди. Бу — гир.* Т. Мурод, Қўшиқ.

Гир айлана Айланасига, атроф-теваракни ўраб олган. *Азимбойваччанинг ташқари ҳовлиси гир айлана ғиштин иморат.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Гир айланмоқ** 1) доира ясаб айланмоқ; теварагида, атрофида айланмоқ. *Гулсум кенг доирани гир айланиб, завқ ва шавқ билан чалинаётган чилдирма ҳамда чапаклар садосига берилиб ўйнар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хонага кириб қолган бир йўлпашша гир айланиб, самолётдек ванғилларди.* Мирмуҳсин, Нуқра; 2) атрофлаб, давра олиб жойлашмоқ. *Бир тўйда, катта меҳмонхонани гир айланиб ўтирган меҳмонлар ўртасида сув сепгандай жимлик ҳукм сурарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Гир атроф** Теварак-атроф, ҳамма ёқ. *Гир атроф шафтоли.* ▬ *Жуманиёз гир атрофга югуриб, тағин қўлига кесак олди.* С. Сиёев, Аваз. **Гир урмоқ** (*ёки* **ташламоқ**) Бир томонга оғиб, айланиб турмоқ, шох ташламоқ (учаётган варрак ҳақида). *Гир шох урди аразлаган варраги.* Ғ. Ғулом. **Боши гир айланмоқ** Боши гангимоқ. *Аччиқ, ўткир тамакидан боши гир айланиб, кўзлари ёшландида, йўтала-йўтала юриб кетди.* Ойбек, Нур қидириб.

ГИРА [*ф.* گیره – қисқич] *тех.* Ишлов бериладиган нарсани маҳкам сиқиб қўядиган асбоб; тахтакач.

ГИРАК [*ф.* گره – тугун; чалкашлик] *шв.* Маҳкам, мустаҳкам. *Ҳаёт – бир-бири билан гирак боғланган шундай бир ҳалқалардан иборатки, бир ҳалқанинг тилини билсанг-у, бошқаларини билмасанг, катта ишда албатта қоқилиб қоласан.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ГИРАКЛАМОҚ *шв.* Маҳкам боғламоқ. -*Баттол қиз ҳовлидамики, гираклаб олиб киритиб қўйсам! – деди Ашурмирзо.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ГИРАНДА [*ф.* گیرنده – қабул қилиб, тутиб олувчи] *шв.* Ишбилармон, уддабурон, эпчил.

ГИР-ГИР: **гир-гир айланмоқ** Тез-тез айланмоқ. *Шу машинанинг қулоғини бурасанг, лаганча гир-гир айланиб, ашула, дутортанбур ванғиллайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Боши гир-гир айланмоқ** *қ.* **боши гир айланмоқ** *қ.* **гир**. *Бобур ковушнинг бир пойини кийди-ю, иккинчисини кийишга тоқати етмади. Унинг боши гир-гир айланар, ҳаво етишмай, нафаси қисилар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ГИРГИТТОН *х.-қ.* Эркалаш ёки ҳурмат билдирувчи мурожаат шакли; маъно ва вазифаси жиҳатидан «айланай», «ўргилай» сўзларига тўғри келади. [*Нетайхон*:] *Хожархон, гиргиттон, эккан дарахтларингни Обиджон акангизга кўрсатинг.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

Гиргиттон бўлай Айланай, ўргилай. -*Мени қийнама, жон қизим, онанг гиргиттон бўлсин! — деди кампир Адолатхонга.* У. Назаров, Одамлар. **Гиргиттон бўлмоқ** Одам атрофида меҳрибонлик билан парвона бўлмоқ. *Хола Турсунойнинг атрофида гиргиттон бўлиб, гир айланар, дам бошини ушлаб кўрар, дам юзини силар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ГИРД [*ф.* گرد – юмалоқ; доира] *эск.* **1** Айлана шаклидаги нарсанинг чети, зиҳи. *Патнис гирди.* ▬ *Пиёла гирдини ўпиб шаббода, Қимизимни шопириб кетар.* «Шарқ юлдузи».

2 Атроф, теварак; чегара. *Бир қиз олов гирдида бармоқларини қирсиллатиб, чанговуз нағмаларига хиром этди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

Гирдини тутмоқ *шв.* Ўраб, қуршаб олмоқ. *Дарвоза гирдини ғанимлар тутди, Бурунги подшомиз оламдан ўтди.* «Муродхон». *Чопқиллашиб саллотбоши – катталар, Малахдай бўп беклар гирдини тутди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ГИРДАК [*ф.* گردک – думалоқ, айлана чодир] *кам қўлл.* Юмалоқ, чамбар. *Яна бир йигит муллабаччаларга ўхшаш қулф соқол қўйган, бошида гирдак кир салласи бор, хуштавозе.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *У* [*Содиқ мингбоши*] *қўша бекасам кийиб, ичидан кумуш камар боғлаган, бошида гирдак салла.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

ГИРД-АТРОФ *айн.* **гир атроф** *қ.* **гир**. *Гирд-атроф тоғу тош, шундан бўлак уни овутадиган нарса йўқ.* Э. Аъзамов, Олам ямяшил.

ГИРД(И)БОД [*ф.* گردباد – уюрма; бўрон, довул] Тўзон, чанг, қум аралаш буралиб кўтарилувчи қаттиқ шамол; қуюн, уюрма, довул. *Ўтинкашлар бир чақиримча ҳам йўл босмаган эдиларки, чўлда гирдбод қўзғалди.* С. Айний, Қуллар. *Гирдибод қуюн уларни ўради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бу ерларда гирдибоду бўрон кўп бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ГИРДИКАПАЛАК: гирдикапалак бўлмоқ Меҳрибонлик кўрсатиб, меҳр талаб бўлиб ёки хушомадгўйлик билан атрофида

айланмоқ. *Орамизда оналик меҳрига тўймаган болалар ҳам бор эди: улар кампир келганда, атрофида гирдикапалак бўлишарди.* С. Аҳмад, Онажонлар. *Султоннинг ҳам атрофида гирдикапалак бўлиб юрадиган одамлар бор эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ГИРДИҒУМ Калтабақай, миқти, бақалоқ (одам ҳақида). *Чойхоначи эллик ёшларда бўлган юмалоқ, гирдиғум одам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Калладор, гирдиғумдан келган раис ҳаддан ташқари хушчақчақ эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ГИРДОБ [*ф.* گرداب – сув уюрмаси, камар, ўпқон] **1** Ариқ ва дарё сувларининг айланиб-буралиб, уюрма ҳосил қилиб оқаётган ери. *Шошқин дарё тўлқини ўз гирдобига тортиб кетмоқчи бўлса ҳам, дарё тилини яхши билган тажрибали сапёр эшкакни икки қўлида маҳкам ушлаган ҳолда.. сузиб борарди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *Днепр гирдоби паромни ҳар қанча комига тортса ҳам, ғарқ қила олмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *кўчма* Кишини ўз домига тортувчи шиддатли ҳодиса, ҳаракат, жараён. *Матпано хаёл гирдобида укасини пайқамади.* С. Сиёев, Аваз. *Аброр кун бўйи ўз ташвишлари гирдобида ўралашиб, эрталаб кўрган тушини унутиб юборганди.* «Шарқ юлдузи».

3 *с.т.* Гирдибод. *Баъзи ерларда гирдоб ғўзаларнинг бошини чирт-чирт узиб кетар, сўппайиб уларнинг жонсиз танасигина қоларди.* С. Абдуқаҳҳор, Инсоннинг қўли гул. *Қум тепалари устида гирдоб ўйнаб қолди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бир вақтлар қор зарраларидан гирдоб ясаб, кўча бўйлаб югурган изғиринлар ҳам тинди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

4 Айлана, атроф-теварак, гирд. *Бодом қовоғи гирдобида, ёноғи атрофида ва иягида пайдо бўлган.. тер худди ипга тизилган марварид доналари сингари гўзал эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

ГИРДОГИРД [*ф.* گرداگرد – атроф, атрофида] *шв.* Атрофида, айланасига; атроф, чет. *Иморатнинг ташқи кўриниши ҳам, ичи ҳам шоҳона: деразалар гирдогирд серҳашам.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

ГИРЁН [*ф.* گریان – ҳўнграб, бўзлаб йиғлаётган] *поэт.* Йиғлаётган, йиғловчи, йиғили. *Кўзи гирён.* ▬ *Лекин алам қилар: Бир умр гирён Итлар орасидан Ўтса карвонинг.* А. Орипов, Йиллар армони. *Юрагимга осмон шавқи кирмади, Юлдузимни излаб гирёндир кўзим.* М. Эгамбердиева, Гулбарг.

Дийдаи гирён Йиғловчи кўз. *Кўзда ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди, Дийдаи гирён бўлиб, бағрим эзилди.* «Маликаи айёр».

ГИРЁНА: **гирёна бўлмоқ** *поэт.* Йиғламоқ, кўз ёши қилмоқ. *Эй дилрабо, ишқинг била девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

ГИРИБОН [*ф.* گریبان – ёқа] Ёқа; бўғиз. *Умар полвон етиб бориб, додхоҳнинг гирибонидан тутиб, қулочкашлаб уриб, ерга ағдарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Саидийнинг зардаси қайнади ва Ҳамиднинг гирибонидан тутиб, икки-уч силкиди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Саидбековнинг забардаст қўллари фашист офицерининг гирибонидан хиппа бўғиб олди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ГИРИФТОР [*ф.* گرفتار – асир олинган; дучор бўлган] Дучор бўлиш, йўлиқиш. *Ёлғизларнинг иши зордир, Ғамдин ғамга гирифтордир.* «Нурали». *Мен бўлибман дучор бундай балога, Гирифторман энди ғамли савдога.* «Баҳром ва Гуландом».

Гирифтор бўлмоқ 1) учрамоқ, йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ. *Ёмон дардга гирифтор бўлмоқ. Балога гирифтор бўлгур*! (қарғ.) ▬ *Балога гирифтор бўлдим, отажон, Душманга хору зор бўлдим, отажон.* «Равшан»; 2) мафтун бўлмоқ. *Аввал-охир бўлдим сенга интизор, Сенинг жамолингга бўлиб гирифтор.* «Алпомиш».

ГИРИШ *фольк.* Ёйнинг ўқни қадаб отадиган ипи. *Қарамтадан ўн тўрт дона ўқ олди, Ёйнинг гиришига ўқини солди.* «Муродхон». *Шу ёйни ҳар кимса кўтариб турса, Гиришин тўғрилаб нишонга урса..* «Гўрўғлининг туғилиши».

ГИРИҲ I [*ф.* گره – тугун, муаммо] **1** Боғлам, боғланган жой; тугун. *Ҳар сўнгакнинг бандида юз минг гириҳ.* Ғ. Ғулом.

2 *эск.* Қисиқ, қисилган (тиш, кўз ҳақида). *Эскадрон командири бандини ингичка хивич билан боғлай туриб, гириҳ тишлари орасидан жавоб берди.* «Афсунгарлар туҳфаси». *Дўнг манглайда қизил кўзлар гириҳ.* Ғ. Ғулом, Кўкан.

ГИРИҲ II [*ф.* گره – тугун] Меъморчиликда ва бадиий ҳунармандчиликда кенг ишлатиладиган мураккаб нақш. *Шоҳизинда*

гириҳларида ўз қисматин кўради ҳаёт. М. Али. Гумбаздаги нур.

ГИРРА: гирра қилмоқ Бўйнини қўл билан айлантириб олиб сиқмоқ, бурамоқ. *Куёв – директор юлқиниб келиб, бир қўлини Илашевнинг бўйнига гирра қилиб олди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. *Гирра қилиб, белини сиқиб, Йиқитганди Ёғоч полвонни.* М. Али. Боқий дунё.

ГИРЯ [*ф.* گریه – йиғи] **1** *эск. қ.* **йиғи 1**. *Бир бахтсиз севгининг битмас гиряси, Қалбингдан ўрлайди, бу не бедодлик.* Зулфия, Куйлама ҳижронни.

2 Халқ куйларидан бирининг номи; ўзбек мумтоз мусиқасига мансуб икки қисмли ашула туркуми. *Найни ғамгин десалар, пуфлаймиз олазарак, «Гиря» куйин карнайда лунжимизни шишириб.* А. Шер, Қадимги куй.

ГИСТОЛОГ Гистология мутахассиси.

ГИСТОЛОГИК Гистологияга оид. *Гистологик тадқиқотлар.*

ГИСТОЛОГИЯ [*юн.* histos – тўқима + logos – тушунча, таълимот] Одам ва ҳайвонлар организми тўқималарини ўрганадиган фан.

ГИТАРА [*исп.* guitarra < *юн.* kithara – уд; чертма мусиқа асбоби] Олти ёки етти торли, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби. *Анна Ивановна девордаги гитарасини олиб, кечаси эшитган куйлардан биттасини чалмоқчи бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У гитарани яхшигина чалар эди.* «Ёшлик».

ГИТАРАЧИ Гитара чалувчи.

ГЛАДИАТОР [*лот.* gladiatores < gladius – қилич, шамшир] Қадимги Римда: цирк майдонида ўзаро ёки йиртқич ҳайвонлар билан қуролли курашиш учун махсус ўргатилган ҳарбий асир, қул ёки маҳкум жиноятчилар. *У* [*Беттерж хоним*], *чиндан ҳам илон одамни бўғаётганини пайқаб, қадимги юнон гладиаторларини эслади.* Мирмуҳсин, Она.

ГЛАДИОЛУС [*лот.* gladiolus – кичик қилич] Йирик ранг-баранг гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик; пиёзгул.

ГЛАУКОМА [*юн.* glaukoma < glaukos – оч яшил] *тиб.* Кўз ичи босимининг кўтарилиши ва кўриш қобилиятининг пасайиши билан кечадиган кўз касаллиги. *Глаукома – кишилар орасида кўп учрайдиган энг оғир кўз касалликларидан бири.* «Саодат».

ГЛИЦЕРИН [*юн.* glykeros – ширин] Мол ёғидан ёки нефтдан олинадиган қуюқ ширин суюқлик (тиббиёт ва техникада қўлланади). [*Нафисанинг*] *Икки қўли ёрилиб, ҳадеб глицерин сургани ҳам фойда бермасди.* Мирмуҳсин, Топталган ҳусн.

ГЛОБАЛ [*фр.* global – умумий < *лот.* globus – шар] **1** Ер юзига оид, бутун Ер шарини қамраб олувчи. *Бироқ, бизнингча, дастурнинг глобал ғояси шундаки, у янги асрда республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида сезиларли сакраш бўлиши учун асосий омил бўлиши мумкин.* Газетадан.

2 *кўчма* Умумбашарий, кенг миқёсдаги; жаҳоншумул, жаҳон аҳамиятига молик. *Глобал муаммолар.* ▬ *Айтиш мумкинки, бу воқеа хавфли қуролланиш пойгасига туртки бериб, нафақат минтақавий, балки яна глобал оқибатларга олиб келиши мумкин.* Газетадан.

ГЛОБАЛЛАШУВ Жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви; воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун Ер шарини қамраб олиши. *Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига глобаллашуви, биринчи томондан, иқтисодий муаммоларни жаҳон хўжалиги билан ҳамкорликда ечиш ва жаҳон хўжалигига бевосита чиқишга имконият яратса, иккинчи томондан, Ўзбекистон эшиклари бутун дунё учун очилади.* Газетадан.

ГЛОБУС [*лот.* globus – шар] Ер шари ёки осмон сферасининг тагликка ўрнатилган ва ўз ўқи атрофида айланадиган шарсимон модели. *Сочлари оқарган кекса, юпунроқ муаллима битта қиз бола билан пачоқ глобуснинг икки палласини елимлаётган экан.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ГЛОССАРИЙ [*лот.* glossarium – эскирган, диалектал ёки кам қўлланадиган сўзлар луғати] Бирор қадимий асарда учрайдиган эскирган ва кам қўлланадиган сўзларнинг изоҳли луғати. *Айтиш мумкинки, асарнинг глоссарий қисми ўзига хос равишда ўзбекча-немисча луғат характерини олган.* «ЎТА».

ГЛЮКОЗА [*юн.* glykys – ширин] Ҳўл меваларда бўладиган, тиббиётда ва қандолатчиликда кенг қўлланадиган ширин модда, углевод; узум шакари. *Асал глюкоза, фруктоза, сахароза ва минерал моддалардан ташкил топади.* «Фан ва турмуш».

ГЛЯЦИОЛОГ Гляциология мутахассиси; музшунос. *Келгуси йилларда юз бериши*

мумкин бўлган қурғоқчилик маҳалида қишлоқ хўжалигига гляциолог мутахассислар ёрдамга келади. Газетадан.

ГЛЯЦИОЛОГИЯ [*лот.* glacies – муз + *юн.* logos – тушунча, таълимот] Музнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва хусусиятларини ўрганадиган фан.

ГНОСЕОЛОГИК Гносеологияга оид. *Гносеологик қараш.*

ГНОСЕОЛОГИЯ [*юн.* gnosis – билим + logos – таълимот] Билиш назарияси – илмий билишнинг манбалари, шакллари, методлари ва унинг тўғрилигини ўрганадиган фалсафий таълимот.

ГО *с. т.* Гоҳ. *Го ундай, го бундай.*

ГОБЕЛЕН [*фр.* gobelin < машҳур бўёқчи Гобелен(лар) номидан] Девор, дераза ва эшикларга осиладиган безакли, юқори бадиий қимматга эга бўлган, қўлда ишланган гилам ёки газлама.

ГОБОЙ [*фр.* hautbois – баланд дарахт] Ёғочдан ишланган сурнайсимон мусиқа асбоби. *Увертюранинг бошидаги қувончли куй унинг ҳозирги бахтиёр дамларига ҳамоҳанг эди.. гобойларнинг ноласи унинг хаёлини бундан бир неча соат олдин отаси билан ўтказган азобли дамларга олиб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ГОВ [*ф.* گاو – буқа, ҳўкиз; сигир] **1** Катта, улкан. *Гов сигир.* ▬ *Каллалари худди гов саватдай, Тиши сўйлоқ, хўп қопгир (қопонғич) бойтеватдай.* «Гулнорпари». *Гов ёстиқдай зил халтани кўтариб* [*онам*] *келди.* Ҳ. Назир, Муҳаббат.

2 Сигирга, молга нисбатли ҳақорат; «мол». -*Уҳ, бу говнинг қилаётган найранги! — деди-да, Абдурасул токчага суяб қўйилган қўшотарни қўлига олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Гов каптар Ёввойи каптарнинг бир тури. **Гов печак** Печакнинг бир тури; чирмовуқ.

ГОВВОС [*ф.* گوزن – оҳу, шоҳдор кийик; буғу] *шв.* Катта сигир. *Филнинг сутин бердим ман, Фил жасадли бўлсин деб, Говвос сутин бердим ман, Умри узун бўлсин деб.* «Хушкелди». [*Подачи:*] *Бу говвос сигир, сути ширин бўлмайди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ГОВГУН [*ф.* گاوگم – сигир йўқолди] *шв.* Ғира-шира, қош қорайган пайт. *Рустам айтди: эрта-мертан жўнаб қолсам, говгун ётарларда келиб қоларман.* «Муродхон».

ГОВМИЖЖА [*ф.* گلمژه < гул + мижжа – киприк] Кўз атрофида ҳосил бўладиган йирингли чиқиқ. *Кўзига говмижжа чиқибди.*

ГОВМИШ [*ф.* گاومیش – йирик шохли ҳайвон; ҳўкиз] Зотли, серсут сигир. *Саккиз сигир асрагунча, Бир говмиш асра.* Мақол. ▬ *Ола говмиш подага қўшилмайди, бирдай уйда ётади.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Айниқса ола говмишига жоним ачиди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ГОВРОН [*ф.* گاوران – сигир ҳайдовчи] **1** Мол, қўй ва б. ҳайвонларни ҳайдаш учун ишлатиладиган узун йўғон таёқ. *Кекса подачи шўхлик қилган молларни говрон билан савалаб кетмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Калтак билан одам бўладиган бўлсанг, говрон билан урардим.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ҳар қандай таёқ, хивич. *Боғбон узумзордаги болаларни говрон билан қува кетди.*

ГОЖ [*ф.* کج – эгри, эгилган; нотўғри] Ўжар, қайсар. [*Низомжоннинг*] *Акаси Аъзамжон гожроқ эди. У дадасининг гапига хўп дерди-ю, кейин ўзи билганча иш тутиб кетаверарди.* С. Аҳмад, Уфқ. -*Ҳай-ҳай! — деди Насриддин полвон, - Оғайнилар, гож бўлманг жуда*! М. Али, Боқий дунё.

ГОЖЛИК Ўжарлик, қайсарлик. *Ҳеч ким легионга хоҳиш билдирмай турган шундай нозик бир пайтда "ўзимники тўғри" деб гожлик қилишни ўринсиз билган Али Наимхон бир исқирт асирнинг гувоҳлигига ишониб қўя қолишни ҳам истамас эди.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

ГОЛ [*ингл.* goal – мўлжал, нишон] Футбол, хоккей каби ўйинларда қарши команда дарвозасига киритилган тўп. *Гол урмоқ.* ▬ *Футбол бошланди. Бошида ҳаммаси жойида эди. Ўн беш минутлар ўтгач, меҳмонлар чиройли гол уриб, олдинга чиқиб олишди.* Газетадан.

ГОЛКИПЕР [*ингл.* goal-keeper] Футбол, хоккей каби ўйинлардаги дарвозабон.

ГОЛЛАНД 1 Голландия (Нидерландия)-нинг туб (асосий) аҳолисини ташкил этувчи халқ (миллат) нинг номи. *қ.* **голландлар.**

2 Шу халққа (миллатга) мансуб, тегишли, оид. *Голланд тили.* ▬ *Қиш эрта тушганлигидан ноябрнинг бошлариданоқ раис кабинетидаги катта қора голланд печига ўтин қалашарди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ГОЛЛАНДЛАР Голландия (Нидерландия)нинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ. *Ўз вақтида голландлар табиатга оқи-*

лона яратувчилик муносабатида бўлишдан иборат ўз миллий моделларини амалга ошириб, денгиздан серҳосил ерларни ажратиб олдилар. Газетадан.

ГОЛОГРАФИК Буюмларнинг фазовий тасвирини кўрсатувчи. *Кема каютасидаги голографик телевизорда барча манзаралар, воқеалар ҳажми, ранги, реал уфқи билан ростакамдай кўринарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ГОЛОГРАФИЯ [*юн.* holos – тўлиқ, буткул + grapho – ёзаман] Турли тўлқинларнинг ўзгарувчан ҳаракатидан фойдаланиб, буюмларнинг фазовий тасвирини олиш усули.

ГОЛЬФ [*ингл.* golf] Тўп ва чавгонлар билан очиқ майдонда ўйналадиган спорт тури. *Тошкентда гольф клуби очилди.*

ГОММОЗ [*лот.* gummi < *юн.* kommidion – дарахт шираси] Дарахт ва бир қатор ўсимликларда учрайдиган, чўзилувчан, оқ ёки тўқ сариқ рангли ёпишқоқ модда ажралиши билан кечадиган бактериал касаллик. *Ғўзада гоммоз касаллиги асосан чигитни дориламаслик орқасида пайдо бўлади.* Газетадан.

ГОМОГЕН [*юн.* homogenes – бир жинсли] Таркиби жиҳатдан бир хил, бир жинсли.

ГОМОСЕКСУАЛИЗМ [*юн.* homos – тенг, бир хил + *лот.* sexualis – жинсий] Ўз жинсидаги шахсларга нисбатан жинсий майл кўрсатиш.

ГОНГ [*индонез.*] **1** Доиравий лаппак металлдан иборат, махсус таёқ билан уриб чалинадиган мусиқа асбоби.

2 *спрт.* Спорт мусобақасини бошлаш ҳақида сигнал берувчи асбоб. *Гонг чалиниши билан боксчилар курашни бошладилар.*

ГОНДОЛА [*итал.* gondola] *авиа.* Аэростат ёки дирижаблга осиб қўйиладиган, кишилар турадиган ва анжомлар жойлаштириладиган саватсимон мослама; бўлма.

ГОНИОМЕТР [*юн.* gonia – бурчак + metreo – ўлчайман] Қаттиқ жисмларнинг ясси ёқлари орасидаги икки ёқли бурчакларни ўлчайдиган асбоб.

ГОНОРАР [*юн.* honorarium – хизмат ҳақи, мукофот] Ёзувчилар, рассомлар, олимлар ва ш. к. га шартнома бўйича бажарилган иши учун тўланадиган пул; қалам ҳақи. *Гонорар олмоқ. Муаллифлик гонорари.*

ГОРЕЛЬЕФ [*фр.* haut-relief – баланд рельеф] Тасвирнинг ярмидан кўпроғи текислик сатҳидан бўрттириб ишланадиган ҳайкалтарошлик тури. *Биноларга битиладиган ёдгорликлар, барельеф ва горельеф кишиларда тасвирий санъатга, ҳайкалтарошликка ҳам қизиқиш, муҳаббат уйғотиб боради.* «Санъат».

ГОРЕЛКА [*р.* гореть – ёнмоқ] Суюқ ёқилғи ёки газни маълум мақсадда ёқиш учун мўлжалланган мослама. *Газ горелкаси.*

ГОРИЗОНТ [*юн.* horizon, horizontos – чегараловчи] Осмоннинг ер ёки сув сатҳи билан гўё қўшилгандек бўлиб кўринадиган ердаги чизиғи; уфқ.

ГОРИЗОНТАЛ Уфқ чизиғига параллел йўналган, тик чизиққа перпендикуляр бўлган. *Горизонтал чизиқ. Икки қатор горизонтал шпинделли пахта териш машинаси.* ▬ *Мирзачўлда мелиорация ишлари ҳам яхши уюштирилган, усти ёпиқ вертикал ва горизонтал зовурлар қуриш муваффақиятли ўзлаштирилган.* Газетадан.

ГОРИЗОНТАЛЬ **1** Уфқ чизиғига параллел тўғри чизиқ; тик чизиққа перпендикуляр чизиқ.

2 *геод.* Топографик хариталарда муайян жойнинг рельефини, тепалик ва чуқурликларни тасвирлайдиган чизиқлар.

ГОРИЛЛА [*ингл.* gorilla] Ғарбий Африкада яшовчи йирик, кучли, одамсимон маймун. *Ҳозирги вақтда яшаётган маймунлар орасида одамсимон маймунларнинг тўрт тури, яъни горилла.. ва гиббонлар мавжуд.* «Фан ва турмуш».

ГОРМОН [*юн.* hormao – ҳаракатга келтираман, қўзғатаман] *физиол.* Ички секреция безларидан ажралиб чиқиб, қонга қўшиладиган модда. *Организмда оқсил етишмаса, гормонлар ҳам кам ишлаб чиқарилади.* F. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

ГОРН [*нем.* Horn – мугуз, шох] Мисдан ясалган ва хабар қилиш (бериш) ёки чақириш учун мўлжалланган пуфлама мусиқа асбоби. *Садо бердик горндан, Офтоб турди ўриндан.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Булоқҳовуздан усти-устига янграган горн овози боғлар, далаларда ўйнаб юрган болаларни ўз томонига чорлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ГОРНЧИ Горн чалувчи.

ГОРОДКИ [*р.* городок – шаҳарча, қўрғонча] *спрт.* **1** Тўртбурчак ичига маълум шаклда тизиб қўйилган ғўлачаларни таёқ

билан уриб, чегарадан чиқариш ўйини. *Городки ўйнамоқ.*

2 Шу ўйин учун белгиланган ғўлачалар, чиллаклар.

ГОРОДОВОЙ [*р.* город – шаҳар] *тар.* Чор Россиясида: шаҳар полицияси ходимларининг энг қуйи унвони ва шу унвонга эга бўлган киши; миршаб. *Қиличи отнинг белидан пастга тушиб кетган бир городовой қамчи ўйнатиб, оломоннинг орасини ёриб, қаландарларга йўл бўшаттирмоқда..* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ГОРОСКОП [*юн.* horoskopos – вақтни кузатувчи] Муайян вақт (одам туғилган, байрам, воқеа-ҳодиса рўй берган вақт) учун сайёралар ва юлдузларнинг бир-бирига нисбатан эгаллаган вазиятларини ифодаловчи, гўё кишиларнинг тақдирини, воқеаларнинг ривожини белгилаб берувчи шартли жадвал.

ГОРЧИЦА [*р.* горчить – аччиқ бўлмоқ] *қ.* **хантал.** *Эмизикли оналар оёғига горчицали ванна яхши ёрдам беради.* Газетадан.

ГОРЧИЧНИК [*р.*] Ханталли қоғоз, горчица суркалган қоғоз (шамоллаганда баданга махсус усулда ёпиштирилади). *..газетада шу сарлавҳа остида босилган материалда шаҳар аптекаларида горчичник йўқлиги кўрсатилган эди.* Газетадан. *Агар горчичник ёш болаларга қўйиладиган бўлса, 2-3 ҳисса кўпроқ ун қўшилади.* «Фан ва турмуш».

ГОСПИТАЛЬ [*лот.* hospitalis – меҳмондўст] Одатда ҳарбийлар ётиб даволанадиган касалхона. *Уни Тошкентга олиб келиб, вокзал яқинидаги госпиталга ётқиздилар.* Ҳ. Ғулом. Замин юлдузлари. *Жанг давом этаверди. Суриштиришга фурсат бўлмади. Сўнг ўзим ярадор бўлиб, госпиталда ётдим.* Ойдин, Суҳбати жонон.

ГОТИК Готикага оид; готика услубидаги. *Икки ёғи баланд-паст готик бинолар билан ўралган кўча.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

ГОТИКА [*фр.* gothique < герман қабилаларидан бири – **гот** номидан] Ўрта аср охирларида Европада кенг тарқалган меъморлик услуби.

ГОҲ [*ф.* گاه – жой] *айр. боғл.* Уюшиқ бўлакларни ёки икки содда гапни айириб боғлаш учун хизмат қилади (бунда у такрорланиб, галма-галликни, воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал рўй беришини ифодалайди). *Гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди. Гоҳ мен борар эдим, гоҳ у келар эди.* ▬ *Гоҳ соғ, гоҳ касал онанинг тақдири Комилани ташвишга солади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Икки кундан бери гоҳ севалаб, гоҳ шиддат билан ёғаётган ёмғир ҳамма ёқни ивитиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГОҲ-ГОҲ *рвш.* Баъзи-баъзида, аҳёнаҳёнда, баъзан. *Нурининг қайнанаси гоҳ-гоҳ келиб, Гулнорга боқишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГОҲИ(ДА) *рвш.* Баъзида, баъзан. *Гоҳи маҳаллар Барот полвон нафасини ўнглаб олиш учун пича ўтириб дам олса, Ғуломжон нафас ўнглашга кетадиган вақтини ҳам аяйди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. ▬ *Бир гапга ўнта гап тўғрилаб туради. Буларга гап тушунтиролмай, гоҳида куйиб кетаман, отам, – деди* [*Ойимхон*]. П. Турсун, Ўқитувчи.

ГОҲО *қ.* **гоҳи(да).** *-Гоҳо бирпас эшикка чиқаман, — жавоб берди соқолини тутамлаб чол.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Гоҳо бу ерда йиғилишлар ҳам, мажлислар ҳам бўлиб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГРАВИТАЦИЯ [*лот.* gravitas – оғирлик] Бутун олам тортишиш кучи; барча турдаги физик моддалар (оддий моддалар, ҳар қандай физик майдонлар) ўртасидаги универсал ўзаро таъсир бўлиб, ушбу ўзаро таъсир катта-кичиклиги, жисмларнинг тез ёки секин ҳаракатланишига қараб бутун олам тортишиш қонуни ёки умумий нисбийлик назарияси билан изоҳланади. *Ҳозирги замон биология ва медицина илмлари бугунги кунда гравитациясиз ҳаёт ёки узоқ вазнсизлик ҳолати нимадан иборат, деган саволга жавоб излашмоқда.* «Фан ва турмуш».

ГРАВЮРА [*фр.* gravure] **1** Металл, ёғоч, ойна ва ш. к. қаттиқ материаллар юзига тасвир ишлаш санъати.

2 Шундай усулда ишланган нақш, сурат ва унинг қоғозга кўчириб босилган нусхаси.

ГРАДАЦИЯ [*лот.* gradatio – аста-секин баландлатиш, кучайтириш < gradus – даража, босқич] *ад.* Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини (мазмунини) кучайтириб боришдан иборат услубий восита.

ГРАДУС [*лот.* gradus – даража, босқич] **1** Айлананинг 360 дан бир бўлагига тенг бурчак ёки ёй ўлчов бирлиги.

2 Температура ўлчов бирлиги; даража. *Ўттиз беш градус иссиқ.* ▬ *Тошкентдан келган лектор «Ойда ҳаёт борми?» деган*

мавзуда лекция ўқиб: «Ойда кечаси юз градус совуқ, кундузи юз градус иссиқ бўлади», — деганди. С. Аҳмад, Уфқ.

3 Суюқликнинг зичлигини, шунингдек, эритма ёки спирт кучини ўлчаш бирлиги.

ГРАДУСНИК *с. т.* Термометр, ҳарорат ўлчагич.

ГРАЖДАН(ИН) [*р.* гражданин — шаҳарлик] *қ.* **фуқаро.** *Чанг ва шовқин орасида аста судралган ҳорғин граждан аҳоли: аёллар, болалар, чоллар ҳам кўп эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳар халқнинг ўз тили, маданияти, Ҳар бир гражданнинг меҳнати шараф.* Ғ. Ғулом. *Ҳа, Ойбек улкан сўз санъаткоригина эмас, фаол гражданин, меҳрибон устоз ҳам эди.* Газетадан.

Гражданлар уруши Бир давлатнинг ўз ичидаги қуролли тўқнашув. **Граждан авиацияси** Фуқароларга хизмат қиладиган авиация.

ГРАЖДАНЛИК *қ.* **фуқаролик.** *Қаҳрамондаги, қолаверса, кишидаги гражданлик туйғусини бир хил мезон билан ўлчаб бўлмайди.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ГРАММ [*юн.* gramma — кичик оғирлик ўлчови] Метрик системада: бир куб сантиметр кимёвий тоза сувнинг вазнига (килограммнинг мингдан бир улушига) тенг оғирлик ўлчов бирлиги. *-Бир грамм қолдирмай топшириб турибмиз, — деди бидирлаб Баёнқул ака.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ГРАММАТИК Грамматикага оид. *Грамматик таҳлил. Тилнинг грамматик қурилиши.* ▬ *Таркибли сўзлар айрим грамматик адабиётларда ё қўшма сўз, ё сўз бирикмаларига киритилади.* «ЎТА».

ГРАММАТИКА [*юн.* grammatike — ҳарф ўқиш ва ёзиш санъати < gramma — ёзув, ҳарф, чизиқ] **1** Тилшуносликнинг сўз шакллари, сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари ҳақидаги бўлими. *Қиёсий грамматика. Тарихий грамматика.*

2 Сўз шакллари, уларнинг сўз бирикмаси ва гапда ўзаро боғланиши ҳақидаги қоидалар ва шу қоидалар баён этилган ўқув китоби, дарслик. *Мактаб грамматикаси. Ўзбек тили грамматикаси.* ▬ *Ўзбек тили грамматикасига оид ишларда баъзи сўз формалари «модал форма» ёки «субъектив баҳо формаси» номи билан.. таърифланиб келинмоқда.* «ЎТА».

ГРАММАТИКАЛАШИШ *тлш.* Сўзнинг мустақил луғавий маъносини йўқотиб, ёрдамчи вазифада қўлланишга ўтиши, ёрдамчи сўзга айланиши. *Кўмакчи феълларда эса лексик маъно деярли унутилган бўлади, кўмакчи феъллар грамматикалашиш ҳодисасига учраб, етакчи феълларни грамматик жиҳатдан шакллантириш функцияси билан чегараланади.* «ЎТА».

ГРАММОФОН [*юн.* gramma — ёзув + phone — товуш] Махсус пластинкага ёзиб олинган куй, нутқ ва ш. к. ни қайта эшиттирадиган, карнайли мусиқа аппарати. *-Граммофон деган буюмни кўрганмисан ё эшитганмисан? — кулиб сўради Ёрмат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нонвойхонанинг томига чиқиб олган бир йигит граммофон карнайини оғзига қўйиб қичқиради.* С. Аҳмад, Уфқ.

ГРАМПЛАСТИНКА, **граммофон пластинкаси**. *қ.* **пластинка 2.** *Тошкентда яқинда грампластинкалар учун овоз ёзиб оладиган студия очилган эди.* Газетадан.

ГРАНАТА [*итал.* granata < *лот.* granatus — донадор] **1** Портловчи модда тўлдирилган артиллерия снаряди. *У совуққонлик билан қулоч ёйиб, граната отди — танкнинг башнясида портлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бронтешарлар нишонга олиб, энди ўқ узмоқчи бўлган пайтда, танк остида бирин-кетин учта граната портлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *спрт.* Енгил атлетикада: ирғитиш учун ишлатиладиган гранатасимон спорт анжоми. *Граната отиш мусобақаси.*

ГРАНАТОМЁТ [*итал.* granata + *р.* метать — отмоқ] Граната отадиган қурол. *Гранатомёт ўқи бошловчи КамАЗ прицепидаги ёнилғи бакини учириб юборди.* Газетадан.

ГРАНАТОМЁТЧИ Гранатомётдан ўт очувчи, шунингдек, қўл гранаталарини ирғитишга уста жангчи.

ГРАНИТ [*итал.* granito < лот. granum — дон, дона] Таркиби кварц, дала шпати ва слюдадан иборат, донадор қаттиқ тоғ жинси; қимматли қурилиш материали. *Қизил гранит. Гранит постамент.* ▬ *Тўлқинлар гоҳ қуёш нурларини гранит қирғоқлар сайқалига туширар ва гўё тошни ҳам ёндирар, гоҳ гранит қирғоқлар сайқалини ўзида акс эттириб жилваланарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *У* [*олтин*] *сланецлар, қумтошлар, гранитлар ичида учрайди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ГРАНКА [*р.*] *полигр.* **1** Босмахонада терилиб, ҳали саҳифаланмаган матнлар

устуни ва унинг хатоларни тузатиш учун қоғозга туширилган нусхаси. *Каримий бошини бир қимирлатиб қўйди-да, гранкани тузатишда давом этди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

2 Терилган матнни саҳифалашга қадар сақлаб қўйиш учун ишлатиладиган рамка, тахтакач. *Гранка сочилиб кетди.*

ГРАН-ПРИ [*фр.* Grand Prix – катта, бош мукофот] Турли хил мусобақаларда, танловларда ғолибга бериладиган олий мукофот. *Бу ерда* [*Японияда*] *ўтказилган болалар тасвирий санъати асарлари ўн тўртинчи халқаро танловида Ўзбекистон Бадиий академияси тасвирий ва амалий санъат республика лицей-интернатининг 6-синф ўқувчиси Мадина Толипова Гран-при соҳиби бўлди.* Газетадан.

ГРАНТ [*ингл.* grand – ҳадя; кўмак, ёрдам; стипендия] Бирор илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш учун ёки бошқа мақсадларда айрим шахслар, жамоалар, ташкилотларга бериладиган мақсадли ўрин ёки пул маблағи. *«Умид» грантини қўлга киритмоқ.* ▬ *«Умид» гранти билан ўқиётган ўзбекистонлик ёшларга эса ойига 1000 доллар атрофида стипендия тўлашади.* Газетадан.

ГРАФ [*нем.* Graf] Ғарбий Европада ва чор Россиясида олий табақали дворянларнинг княздан қуйи, барондан юқори унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Яхшибоев, қайдан ўргандинг киборликни, нақ граф бўлиб кет-е. Либосни келтиринг, уловни ҳозирланг, машварат жам бўлсин.* М.М.Дўст, Лолазор.

ГРАФА [*юн.* graphe – чизиқ] **1** Жадвалларда тик чизиқлар орасидаги, турли маълумотлар ёзиладиган устун, оралиқ. *Жадвалнинг биринчи графаси.*

2 Матн, қонун ва ш. к. нинг бир банди, бўлими.

ГРА́ФИК I [*юн.* graphikos – чизилган] **1** Турли нарса ва ҳодисаларнинг миқдорий боғланишларини чизиқлар, чизмалар воситасида тасвирлаш ва шундай тасвир (чизма)нинг ўзи. *Атмосфера босими ўзгаришини кўрсатувчи график.*

2 Бирор бир ишнинг ҳажми, бажарилиш муддатлари аниқ белгилаб тузилган режа. *Кунлик экиш графиги 45-50 процентгина бажарилмоқда.* Газетадан. *Хўжалигимизда етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли териб олиш учун тиғиз график тузилди.* Газетадан. *Ҳайдовчи қиз графикка тушиб олиш учун шошилмоқда эди.* П. Қодиров, Эрк.

Ҳаракат графиги Транспорт воситалари ҳаракатини вақт билан боғлаб тузиладиган жадвал.

ГРА́ФИК II Графика соҳасида ижод қилувчи рассом. *Мазкур декадага Озарбайжон рассомлари, ҳайкалтарошлари, графиклари, тасвирий ва амалий санъат арбоблари ўзларининг 800 га яқин асарларини тақдим этдилар.* «Шарқ юлдузи».

ГРАФИ́К III Графикага оид. *График тасвир.*

ГРАФИКА [*юн.* graphikos – чизилган] **1** Бўёқ ишлатмасдан, чизиқ ва штрихлар воситаси билангина нарсаларни тасвирлаш санъати; шу усулда ишланган расм, тасвир. *..ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.* Газетадан.

2 *тлш.* Нутқ товушларини ёзувда ифодаловчи белгилар (ҳарфлар) тизими; ёзув ва алифбо ҳарфларини, товуш ва ҳарф муносабатларини ўрганувчи тилшунослик соҳаси. *Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувига киритилган бу ислоҳ ўша вақтда ўзбек маданиятидаги зўр тарихий силжиш эди.* «ЎТА».

ГРАФИН [*итал.* caraffina] Сув, вино ва ш. к. солиб қўйиладиган, бўғзи тор идиш. *Рухсат теккач, Мақсуд Солиев қабулхонага чиқиб, графиндаги сувдан қуйиб ичди.* «Ёшлик».

ГРАФИНЯ Графнинг хотини ёки қизи.

ГРАФИТ [*юн.* grapho – ёзаман] **1** Соф углероднинг бир тури, тўқ кулранг ёки қора тусли минерал (қалам ва ўтга чидамли буюмлар ясаш учун ишлатилади). *Табиатда учрайдиган графит ва кўмирни таркибан олмос деб аташ мумкин.* «Фан ва турмуш».

2 Қаламнинг шу минералдан ясалган ёзадиган қисми. *Графит – тошқалам бўлиб, у қоғоз варағи ёки тахтага салгина тегса ҳам, из қолдиради.* «Фан ва турмуш».

ГРАФЛИК 1 Граф унвонига эга бўлишлик; граф мақомида туришлик.

2 Ўрта асрларда Ғарбий Европада граф бошқарган меросий феодал мулк.

3 Англия, Ирландия, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа баъзи давлатларда: йирик маъмурий-ҳудудий бирлик.

ГРАФОЛОГ Графология мутахассиси.

ГРАФОЛОГИЯ [*юн.* grapho – ёзаман + logos – таълимот] Дастхатларни, улар воситасида эса ёзган кишининг хислатлари ва руҳий ҳолатини ўрганадиган фан.

ГРЕЙДЕР [*ингл.* grader < grade – текисламоқ] Йўл қурилишида йўлни очиш, созлаш, текислаш учун ишлатиладиган машина. *Грейдерларга цистерналар ўрнатилиб, йўллар сув билан шиббаланди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Бульдозер ва грейдерлар билан паст-баланд участкалар яхшилаб текисланади.* Газетадан.

ГРЕК 1 Греция мамлакатига мансуб туб халқнинг (миллатнинг) номи.

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Грек тили.*

ГРЕКЛАР Грециянинг асосий (туб) аҳолиси, грек халқи.

ГРЕЛКА [*р.* греть – иситмоқ, қизитмоқ] Баданнинг бирон оғриган қисмига қўйиладиган, одатда резинадан қилинадиган сунъий иситиш мосламаси. *Электр грелка. Резина грелка. Грелка қўймоқ.* ▬ *Иноғомжон қизлардан грелка, атир олиб чиқиб беришларини сўради.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. [*Врач*] *Музлаб қолаётган боланинг оёқ-қўлларига грелка қўйишни маслаҳат берди.* Газетадан.

ГРЕЧИХА [*р.*] Бир нав ғалла ўсимлиги ва унинг донидан тайёрланган крупа. *Гречиха экмоқ. Гречихадан тайёрланган овқат.* ▬ *Гречиха қимматли экин бўлиб, таркибида асал моддаси кўплиги билан муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир.* Газетадан.

ГРИВНА [*р.* гривна – бўйинга тақиладиган олтин ёки кумуш медаль] **1** *тар.* Қадимги Русда 409 г га тенг кумуш ёмбидан иборат асосий пул ва оғирлик бирлиги; кейинчалик 10 тийинга тенг пул бирлиги.

2 Украинада: асосий пул бирлиги.

ГРИМ [*фр.* grimer – юзни бўямоқ] **1** Махсус бўёқлар, ясама соч, соқол ва ш. к. ёрдамида актёр қиёфасини ўзгартириш санъати. *Грим қилмоқ.* ▬ *Томоша бошланишига ҳали ўн тўрт минут бор. Артистлар грим қилиб бўлишган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Спектаклнинг бошланишига ҳали анчагина вақт борлигига қарамай, у* [*Обид Жалилов*] *грим қилишга ўтириб, Маждиддин қиёфасига кира бошлади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 Актёрни муайян қиёфада кўрсатиш учун ишлатиладиган махсус бўёқ, ясама соч, соқол ва ш. к. *Гримда ўйнамоқ. Гримни артиб ташламоқ.* ▬ *Ҳамза қўйган спектаклларида саҳна жиҳозларига, артистларнинг кийим-кечак ва гримларига жуда катта эътибор берган.* Газетадан.

ГРИМХОНА Актёрлар грим қил(ин)адиган махсус хона. *Ҳақназар гримхонада тошойнага қараб грим қилмоқда эди.* И. Раҳим, Ихлос.

ГРИМЧИ Грим қилувчи мутахассис. *Гримчи рассом.* ▬ *Премьера. Бугун ҳамма: режиссёрдан тортиб раққосагача, гримчидан тортиб монтёргача ҳаяжонда.* «Ёшлик».

ГРИПП [*фр.* grippe] Нафас йўлининг яллиғланиши ва ҳароратнинг кўтарилиши билан характерланадиган юқумли касаллик. *Грипп касофат ёмон ёпишди, беш-олти кун ваража қилди.* М.М.Дўст, Лолазор.

ГРИФ I [*юн.* gryphus, gryps] **1** Антик мифологияда: бургут қанотли ва бургут бошли шер; афсонавий махлуқ.

2 *айн.* **тасқара 1**.

ГРИФ II [*фр.* griffe] Бирор кимса имзоси, ташкилот, муассаса ва ш. к. номи чекилган муҳр, штемпель ва уларнинг ҳужжат устига босилган нусхаси. *«Фан» нашриётининг грифи.*

ГРИФЕЛЬ *айн.* **графит 2.**

ГРИФОН [*фр.* griffon < *юн.* gryphus] I **1** *айн.* **гриф 1.**

2 *тех.* Бурғи қудуғи трубаси остидан тўсатдан отилиб чиқадиган суюқ ёки газсимон модда. *У* [*Дадашев*] *ёнғин грифонларнинг юзага отилиб чиқишидан ва газ фонтанининг қуёш нурларига дуч келишидан юз берганини исботлади.* И. Раҳим, Тақдир.

ГРОССМЕЙСТЕР [*нем.* Großmeister – катта уста] Шахмат ва шашка усталарига бериладиган энг олий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахматчи ёки шашкачи. *Шахмат тахтини яна бир забардаст рус гроссмейстери банд этди.* Газетадан.

ГРОТЕСК [*фр.* grotesque – ғалати; кулгили] *ад.* Воқеа ва ҳодисаларни атайлаб кучайтириш ёки кичрайтиришдан, кулгили тарзда бузиб кўрсатишдан иборат бадиий усул. *Сатирик (ёзувчи) бу ерда гротеск, муболаға каби сатирага хос хусусиятлардан керагича, унумли фойдаланиши мумкин.* «ЎТА».

ГРУЗИН 1 Грузия мамлакатига мансуб туб халқнинг, миллатнинг номи.

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Грузин тили. Грузин аёл.* ▬ *Улар эшикни тақилла-*

тишган эди, ўрта бўйли, ёшгина грузин хотин келиб очди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ГРУЗИНЛАР Грузиянинг асосий (туб) аҳолиси, грузин халқи.

ГРУЗИНЧА 1 Грузин алифбоси, адабиёти, маданиятига оид. *Грузинча рақс.* ▬ *Курткани елкага ташладим, дўнгалак грузинча шапкани бошга қўндирдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Грузин тили. *Сиз грузинча(ни) биласизми? Грузинча гапирмоқ.*

ГРУЗОВИК [*р.* груз – юк] Юк машинаси, юк ташийдиган машина. *Саодатхон грузовикдан уйига қопда буғдой.. тушираётган жувон билан саломлашар экан, кулиб ҳазиллашди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ГРУНТ [*нем.* Grund – замин, тупроқ] Тупроқ ва тоғ жинслари аралашган қатламнинг умумий номи.

ГРУНТШУНОСЛИК Тупроқ ва тоғ жинсларининг физик ва кимёвий хусусиятларини ўрганадиган соҳа.

ГРУППА [*нем.* Gruppe – тўда, тўп; бўлинма] *қ.* **гуруҳ.** *Батальон миномётчилари икки группага бўлиниб, шимолий ва жанубий қанотларга ташланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Группанинг ҳамма студентлари Абдухалилни софдиллиги, меҳнаткашлиги учун севишарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ГРУППАБОЗ *қ.* **гуруҳбоз**.

ГРУППАБОЗЛИК *қ.* **гуруҳбозлик.** *Шу гапларни Сафарқулга айтсанг бўлмайдими? Биз гапирсак, «группабозлик қилманглар, колхозни бузасизлар», деб сўкадилар.* С. Айний, Қуллар.

ГУАШЬ [*фр.* gouache < *итал.* guazzo – сувли бўёқ] **1** Оқбўёқ (белила), кукун, сувелим аралашмасидан иборат бўёқ. *Гуашь билан расм солмоқ.*

2 Шундай бўёқ билан ишланган тасвирий санъат асари.

ГУБЕР *с.т. қ.* **губернатор 1**. *Шундан учтўрт ой бурун «Ултармада ғулу чиқди, шаҳардан солдат келиб, анча одамни ҳайдаб кетди, буларни губернинг ўзи сўроқ қилар эмиш» деган гап тарқалган эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ГУБЕРНА, губерня Чор Россиясида, шунингдек, 1929-30 йилларгача СССРда: асосий маъмурий-ҳудудий бирлик.

ГУБЕРНАТОР [*лот.* gubernator – ҳукмдор, бошлиқ] **1** Россияда 1917 йилга қадар губернада олий ҳукумат амалдори; губерна бошлиғи, ҳокими. *У апил-тапил эгнига янги формасини кийди-да, телеграммани олганича, губернатор ҳузурига чопди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Ҳозирги бир қатор федератив давлатларда (Россия Федерацияси, АҚШ, Буюк Британия, Дания ва б.) сайлаб қўйиладиган олий маъмурий шахс; вилоят, штат, графлик маъмуриятининг бошлиғи.

3 Йирик ҳудудий бирликлар ёки колонияларда марказий ҳокимият томонидан тайинланадиган маъмурият бошлиғи.

ГУВ *тақл. с.* Шиддатли ҳаракат, ёниш натижасида чиқадиган бўғиқ товуш. *Костюм яна битмабди. Аввалига шу жумлани эшитиб, қуруқ ўтиндай гув этиб ёниб кетдим.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Ҳамма гув этиб кулиб юборди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Хирмонни ўраб олган оломон бирдан гув этиб шов-шув кўтарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ГУВАЛА Лойдан қўлда ясалиб, офтобда қуритилган, таги ясси чўзинчоқ қурилиш материали. *Гувала қилмоқ (қуймоқ). Гувала девор.* ▬ *Қишлоқдаги пахса деворли қўрғончалар бой, бадавлат одамларники бўлиб, гуваладан қурилган пастак уйлар камбағалқашшоқларнинг бошпаналари эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тоққа қаратиб солинган уй пешайвонига гувала тахлаб қўйилган эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

Гувала бош 1) гувалага ўхшаш чўзинчоқ бош; 2) *дағл.* аҳмоқ, нодон. *Ватан хоинига ҳомийлик қилиб, ёлғон гапирганими? Эҳ, гувала бош.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ГУВАЛАК *шв.* Гувала. *Унинг* [*Анзират холанинг*] *ҳовлиси одам бўйи келар-келмас гувалак девор билан ўралган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гувалак уй, бостирма айвон Шундоқ кўча бўйида эрди.* М. Али, Боқий дунё.

ГУВЛАМОҚ *қ.* **гувулламоқ.** *Бурчакда чўян печка солярка сачратиб гувлайди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бир шамол турди-ю гувлаб адирдан, Тўзон-ла қопланди Дарғом осмони.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. *Пахтазор оралаб трактор гувлар, Эш ва иноқ тўп қиз, пешона боғлиқ.* Миртемир.

ГУВОҲ [*ф.* گواه – шоҳид] **1** Бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган ёки уларнинг ҳақиқатан ҳам бўлганлигини тас-

диқлаш учун шу иш бўлган жойга махсус чақирилган киши; шоҳид. *Сидиқжон ўн бир гувоҳни ёнига олиб, районга жўнади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мен инқилобгача ва инқилобдан сўнг деҳқонларимиз кечирган ҳаётларининг жонли гувоҳиман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *ҳуқ.* Суд ёки терговдаги иш юзасидан ўз билганларини айтиб бериш учун судга чақирилган киши. *Судга гувоҳларни чақирмоқ.* ▬ *Терговчи ҳам қариянинг гувоҳ тариқасида ишга аралаштиргани, унинг алданганига шубҳа қилмасди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

3 Воқеа-ҳодиса, фикр, ҳолат ва ш. к. нинг тўғрилигини тасдиқловчи нарса; далил. *Кишини меҳнат улуғлайди. Сиз-биз кўрган ҳурмат-эҳтиром — бунинг гувоҳи.* Газетадан.

ГУВОҲЛАНТИРМОҚ Гувоҳлар, зарурий ҳужжатлар орқали тасдиқламоқ, расмийлаштирмоқ.

ГУВОҲЛИК 1 Шоҳидлик, кўрган ёки билганлик; гувоҳ бўлишлик. *Бироқ фактлар, ҳужжатлар, жуда кўп одамларнинг гувоҳликлари унинг қайсарлигини аста-секин қайириб, ниҳоят, букиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *ҳуқ.* Гувоҳ томонидан берилган маълумот, гувоҳнинг айтганлари. *Гувоҳлик бермоқ.* ▬ *Зиёдахон билан Анзират холадан, қолаверса, Шарофат можаросидан хабардор бўлган бошқа одамлардан судда гувоҳлик беришларини сўради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ГУВОҲНОМА [*ф.* گواهی‌نامه — ёзма гувоҳлик; гувоҳнома] **1** Қайд этиш шарт бўлган юридик воқеа-ҳодисаларни тасдиқлайдиган, имзо қўйилган ва муҳр босилган расмий ҳужжат. *Туғилганлик ҳақида гувоҳнома. Талабалик гувоҳномаси.*

2 *эск. айн.* **аттестат 1.** *Кеча ўнинчини аъло тугатдинг, Қўлингда етуклик гувоҳномаси.* Ғ. Ғулом.

ГУВУЛЛАМОҚ «Гув» этган овоз чиқармоқ. *Ўт гувуллаб ёнмоқда.* ▬ *Ташқарида шамол гувуллаб, деразаларни чертарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Йўл бўйлаб кетган симёғочлар эса узлуксиз гувуллайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дарвозада машина моторининг гувуллагани эшитилди.* С. Нуров, Нарвон. *Халқ гувуллаб, олдинга юрди, уни миршаблар ғови тўсиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ГУВРАНМОҚ Ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган овоз чиқармоқ; ноаниқ гапирмоқ; ғўлдирамоқ. *Жавоб эшитилмагач, чол ўзича гувраниб, кўчага чиқди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Ташқарида гувраниб турган қўзғолончилар ичкари бостириб киришди.* С. Сиёев, Аваз. *Парда очилиши билан одамлар бирдан гувранди, кимлардир пиқир-пиқир кулди.* «Ёшлик».

ГУГУРТ [*ф.* گوگرد — олтингугурт; гугурт] **1** Бир учига қалпоқча шаклида ёнувчи модда суртилган чўп; гугуртчўп. *Тантибойвачча индамай қолди. Папиросни лабига қистириб, бир қанча гугуртни чақа-чақа, базўр ёндирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Гугурт чўплари солинган, ён томонига ёндирувчи модда суртилган қутича. *Старшина жангчиларга икки яшик ёндирувчи шиша ва бир қутидан гугурт тарқатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. -*Яхшиямки, гугурт бор экан. Отам бир неча қучоқ хашак териб келди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ГУГУРТЧЎП *айн.* **гугурт 1.** *Бой.. гугуртчўпнинг ўчай-ўчай деб турган алангасидан чилимнинг сархонасидаги тамакини базўр ёндириб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ГУДОК [*р.* гудеть — ғувилламоқ; чалмоқ] **1** Сигнал бериладиган турли механик қурилмалар; ҳуштаклар. *Тошкентдаги тепловозвагон ремонт заводида бир гудок сақланади.* Газетадан.

2 Шундай қурилмалар чиқарадиган чўзиқ овоз; сигнал. *Паровоз гудоги эшитилди. Гудок бермоқ* (*чалмоқ*). ▬ *Эрта тонгда завод гудоги Эргашни ҳам уйғотди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Паровоз узоқ гудок бериб, жойидан қўзғалди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Тонгги гудок чалмасдан, Мен ҳам тураман. Ёш кўнглимнинг майлини Ишга бураман.* Ғайратий.

ГУДРОН [*фр.* goudron] Нефтни қайта ишлаш натижасида қоладиган қора, смолага ўхшаш қуйқум, нефть қолдиғи (йўл қурилиши материали сифатида ва бошқа техника эҳтиёжлари учун ишлатилади). *Гудрон сурқалган дарахт ёнмайди, у сингдирилган темир йўл шпаллари эса чиримайди.* Газетадан.

ГУДРОНАТОР Битум ташийдиган ва уни йўл қоплами устига бир текис тақсимлайдиган машина. *Битум ташийдиган гудронатор машинасига кимдир «губернатор»*

деб ном қўйиб юборибди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ГУЖУМ Сада қайрағоч. *Хоразмда ҳовуз деса, дарҳол кўз олдингга катта-катта гужумлар — қайрағочлар келади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Анави олакўз барзанги лом деб оғиз очмайди, кун бўйи гужум тагида осмонга қараб ётади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ГУЗАР [*ф.* گذر — ўтиш жойи; кўча, маҳалла] **1** Қишлоқ ёки маҳаллаларнинг чорраҳаларида жойлашган, чойхоналари, қассоблик, баққоллик каби дўконлари бўлган обод, гавжум жой. *Бу маҳаллада унга* [*Йўлчига*] *маъқул бўлган икки киши бор эди. Бири — гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратой, иккинчиси — Шокир ота номли маҳсидўз чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *Куз ҳавосининг суякларни зирқиратувчи совуғига қарамай, гузарда чойхўр кўп эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 *фольк.* Йўл. *Қалмоқлар юртига гузарим тушди.* «Алпомиш». *Гузаримиз тушса, излаб келармиз. Султон бўлган, жоним дўстим, хуш энди.* «Муродхон». *Кулоҳ кийиб, бўлдим мен бир қаландар, Ногаҳон гузарим тушди бу шаҳар.* «Ширин билан Шакар».

3 *шв.* Дарёдан, сойдан қайиқлар ўтадиган жой; кечик.

4 *тар.* Бухоро хонлигида: маҳалла.

ГУЗАРГОҲ [*ф.* گذر گاه — ўтиш жойи] Гузар жойлашган ер; гузар. *Каталак кўчада эмас, гузаргоҳда яшаймиз.* Ойбек, Навоий. *Ойнагул Машҳадга етиб келганда, Фарҳод уни Хиёбони жам кўчасининг бошидаги гузаргоҳда кутиб олди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ГУЛ I [*ф.* گل — чечак] **1** *бот.* Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг урчиш учун хизмат қиладиган, гулбанд, косачабарглар, тожбарглар, чангчилар ва уруғчидан иборат қисми. *Олма гули. Нок гули.* ▬ *Нурининг ҳовлисидаги гилослар гуллаган. Уларнинг оппоқ, кўркам гуллари қуёш нурида жуда нафис товланар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Атиргул ва умуман зийнат учун экиладиган ёки табиий, ўзи ўсадиган гулли ўсимликлар; чечаклар. *Пушти гул. Оқ гул. Кўқон гул. Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз — ҳунар.* Мақол. ▬ *Дала йўлининг икки томонидаги боғлар туташ гуллар билан қопланган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Супаларнинг ораларига, атрофига анвои гуллар экилган.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

Қизил гул *қ.* **қизил 1. Тувак гул** Тувакда ўстириладиган хонаки гул.

3 Бирор нарсага табиатдаги гуллар шаклида чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш; орнамент. *Тез кунда альбомнинг варақлари фотосуратларга ва бўёқ қаламда чизилган гулларга безанди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Меҳрини эса дўпписининг гулидан таниди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *кўчма поэт.* Гўзал. *Гулни гулга қўш.* Мақол. ▬ *Иккови ҳам узилмаган гул.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бермагил ёвузларга бир дақиқа хушнудлик, Гул Ватаннинг мард ўғли, кўкрагингни қалқон қил.* Ғайратий.

5 *кўчма* (1-ш. эгалик қўшимчаси билан мурожаат шакли) Ёр, севикли аёл. *Гулим, сенга айтар сўзим бор.* ▬ *Мактубимга жавоб ёзмадинг, дилдор, гулим ҳам баҳорим сенсан, Гулбаҳор.* М. Алавия.

6 *кўчма* (3-ш. эгалик қўшимчаси билан) Энг яхшиси, сараси; файз киритувчиси, қизитувчиси. *Йигит (лар)нинг гули. Зиёлиларнинг гули.* ▬ *Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули, Қошларингни кўрсатгил, мен унинг қули.* С. Айний, Дохунда. *Йигитали келин-куёвнинг мақсади, борар манзилини билса ҳам, уларнинг саломларига алик олгач, кўнгил учун сўради: -Ҳа, йигитнинг гули, йўлингиз бўлсин?* Т. Малик, Ажаб дунё. *Фасли баҳор. Қўшним Ғафур Ғуломнинг эллик йиллиги. Ўшанда Булбул Мамедов тўйхонанинг гули бўлган эди.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

7 *этн.* Баҳорда, гуллар очилганда, марҳум хотирасига бағишлаб унинг йилига қадар ўтказиладиган маросим. *Чолнинг ёстиғи тагидан топилган пул уни кўмиб келишгагина етди. Ҳали бу ёқда учи, еттиси, йигирмаси, фотиҳахонлиги, шаклиги, ифторлиги, икки ҳайити, гули, қовоқ оши, қовун-узуми, йил ошиси, оқ солар ва ҳоказолар бор.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

Гул ташламоқ 1) гул-нақш билан қопланмоқ (қишда муз нақши билан қопланган ойна ҳақида); 2) моғорламоқ. *Нон гул ташлабди.* **Гул қилмоқ** Яшнатмоқ, обод қилмоқ; қизитмоқ. *Хароб бўлган рўзғорни Ишлаб-ишлаб гул қилган.* «Ойсулув». *Ўлан айтиб, тўйларни гул қиласиз, Бу хизрни ўзингизга пир қиласиз.* «Оқ олма, қизил олма». **Ўн гулидан биттаси ҳам очилмаган** Ёш,

навқирон одам ҳақида. *Ана шу хаёллар Бегимхонни безовта қиларди: -Ўн гулимдан бир гулим очилмай туриб, тул бўлиб қолдимми?! — деб ўксинди у.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Қўли гул** Ҳар ишга моҳир, ўз ишининг устаси. *Зокир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали пахтакор, қўли гул одам.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ГУЛ II *тиб.* Қизилча, қизамиқ ва бошқа баъзи бир касалликлар билан оғриган вақтда баданда пайдо бўладиган майда қизил тошма. *Болага гул тошди.* ▬ *Унинг бир кўзига гул тушиб, кўролмай қолгач, халқ уни Назиркўр деб атай бошлаганди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ГУЛА I [*ф.* گوله — юмалоқлаб ўралган, эшилган ип] Тўқимачилик дастгоҳида танда ипларини иккига ажратиб, улар орасидан моки ўтказишга хизмат қиладиган мослама. *Эртаси кечқурун гула тўғрилаб ўтирсам, эшикни биров тақиллатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ГУЛА II *шв.* Нусха; ўрнак, андаза.

Гула кўтармоқ (*ёки* **кўчирмоқ**) Ўрнак олмоқ; тақлид қилмоқ. *Исматов ҳам хўжайиндан гула кўтариб, атрофига қариндош-уруғларини тўплади-да, юлғичликни бошлаб юборди.* «Муштум».

ГУЛАБАРДОР [*ф.* گولهبردار — гула кўтарувчи] Гула тайёрловчи ёки гула кўчирувчи, нусха олувчи мутахассис.

ГУЛАНДОМ [гул + андом] **1** Қадди-қомати келишган, нозик бадан (гўзал аёл ҳақида). *Бўз боламан, ҳолим йўқдир, Ёри гуландомим йўқдир.* «Тоҳир ва Зуҳра».

2 Гуландом (хотин-қизлар исми).

ГУЛБАДАН [гул + бадан] *қ.* **гуландом**. *Менинг шайдолигим бу нозпарвар дилрабодандир, Ярашган қадду қомат, хулқи хуш, нозик адодандир, Мулойим, гулбадан, ширин сухан, табъи расодандир.* Ҳабибий.

ГУЛБАНД I [гул + банд] Пичоқнинг дастаси билан тиғи бириккан жойига ўрнатилган махсус металл ҳалқа. *Пичоқ унча катта эмас эди. Гулбандидан учигача бир қарич келарди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Мўйсафид дастурхон ўрнига ялпиз баргларини яйратиб тўшади-да, гулбанди ярқираб турган дандонсоп пичоғини қинидан суғуриб, менга узатди.* Ҳ. Нурий, Пахтакор ўйлари.

ГУЛБАНД II *бот.* Гулни тутиб турувчи новдача.

ГУЛБАРГ [гул + барг] **1** Гултожни ташкил этувчи ҳамда уруғчи билан чангчини қуршаб турувчи гул япроқчалари, баргчалар мажмуи. *Гулбарглар орасига яширинган тирноқдай қўнғиз учиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Гулбаргларга термулиб, яна учди ўйларим, Япроқ мисол титратиб қўйдингиз-ку юрагим.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

2 *кўчма.* Гул баргчаларидек чиройли, гўзал; нозик; қизил. *Ҳамлет юрагига берарди ҳаёт Сенинг у оташин гулбарг лабларинг.* Ҳ. Олимжон, Офелиянинг ўлими. *Майли энди, ҳеч бўлмаса қумғон қайнатсам, Қиш кунлари ловиллатсам гулбарг ёноғинг.* Миртемир.

ГУЛБАҲОР [гул + баҳор] *поэт.* **1** Гуллар очилган пайт; баҳор. *Гулбаҳор шабнам безамишди гулларни, Майин насим севинтирмиш дилларни.* М. Алавия.

2 Гулбаҳор (хотин-қизлар исми).

ГУЛБЕОР, беоргул [гул + беор] Ер бағирлаб ўсадиган энсиз баргли, нозик ранг-баранг гулли, уруғидан тез кўпаядиган манзарали ўтсимон ўсимлик. -*Уларнинг* [*аммамнинг*] *уйидаги гулларнинг-ку сон-саноғи йўқ: гулбеор, гулраъно, гулсапсар, ишқилиб, санаб тугатиб бўлмайди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ГУЛБОҒ [гул + боғ] **1** Гул экилган боғ, гулзор боғ, гулистон. *Меҳнат аҳли қилди обод Фарҳод даштини гулбоғлар, Гулистон бўлди саҳролар, учолмас энди ҳеч зоғлар.* А. Пўлат. *Меваларнинг уруғин Экинг, асранг, ўртоқлар, Келажакда улардан Яратилгай гулбоғлар.* З. Диёр.

2 Сайлгоҳ ер; томошабоғ, парк. *Рабочилар гулдай яшнаб кийинган, Оқшом бари гулбоғларда йиғилган.* Фозил шоир.

ГУЛГАЙ *шв.* Оёқ кафтининг дўнг ери.

ГУЛ-ГУЛ Чамандек ранг-баранг, гулгун ва гўзал. *Сизлар билан бирга, халқимизга гул-гул нафис газламалар тўқиб кийгизамиз!* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сочпопугин ёйган тол барги, Чаман боғлар чиройи гул-гул.* Т. Тўла.

Гул-гул очилмоқ (*ёки* **ёнмоқ**, **яшнамоқ**) 1) бутун гўзаллиги, латофати билан намоён бўлмоқ, яшнаб кетмоқ. *Баҳор келиб, далалар гул-гул очилиб кетди.* ▬ *Инобат жиндек пардоз билан ойдеккина келин бўлди. Айниқса, тўйининг эртасига гул-гул очилиб кетди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Зевархон ҳам гул-гул очилиб кетди.* Н. Аминов, Суварак; 2) шод-

ликдан чеҳраси очилиб, яйраб-қувнаб, очилиб-сочилмоқ. *Дарҳақиқат, Канизак Ўрмонжоннинг олдига юраги пўкиллаб борди-ю, гул-гул очилиб қайтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Саодатнинг ҳаяжондан гул-гул ёнган бахтиёр чеҳрасидан кўзини узолмасдан ўтирган Турғун биринчи марта уни севиб қолганига иқрор бўлди.* О. Ёқубов, Тоғ қизи.

ГУЛГУН [*ф.* گلگون – гулранг; қизғиш, пушти] **1** Қизил, қирмизи, пушти. *Дейман: саҳар шафақдан учқунми, лоласанми, Шодлик майига тўлган гулгун пиёласанми?* Э. Воҳидов, Тонг нафаси. *Кийгани гулгун қирмизи, Ақлим олар жоду кўзи.* «Муродхон».

2 *кўчма* Гўзал, чиройли. *Наврўз эди табиат гулгун, кийиб олган ям-яшил либос.* Ё. Мирзо. *Келгусига боқсак умидвор, Ҳаёт яна кўринур гулгун.* З. Диёр.

3 Гулгун (хотин-қизлар исми).

ГУЛДАЙ 1 Гул каби, гулга ўхшаш. *Ранги сўлиб боради, Сариқ гулдай сарғайиб.* «Ойсулув». *Худди эрта билан очилган гулдай бўлиб, тиллари булбулдай бўлиб, кўзлари ёрқинлашиб кетди.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Чиройли, гўзал, латофатли. *Сарғаймасин гулдай юзим, Телмирмасин наргис кўзим.* «Баҳром ва Гуландом». *Эй ботирлар, гулдай юзинг сўлдирма, Ички сиринг душманингга билдирма.* «Эрали ва Шерали».

3 *кўчма* Ёш, навқирон. *Зуҳра бегим олти йилдан бери тўшакда ёлғиз ётади. Унинг гулдай умри беваликда сўлиб бормоқда.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Гулдай қиз қари кишини бошига урармиди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Гулдай ҳунар Жуда яхши, покиза ҳунар. *Йигитнинг қўлида гулдай ҳунари бор экан, бўйдоқ экан, уйи-жойи тайин экан, яна сенга нима керак?* Ойбек, Танланган асарлар.

ГУЛДАСТА [гул + даста] **1** Дасталанган гул, бир боғ гул; букет. *Набижон биринчи давлат имтиҳонини топширган куни Муборак уни катта гулдаста олиб келиб табриклади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Вагонларга ирғитилган гулдасталарнинг кўпи ерга тушди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *архит.* Мачит, мадраса, сарой ва ш. к. нинг ташқи деворлари туташган бурчакда тиргак ва безак мақсадида деворга қўшиб тикланган кичик минора. [*Меъмор*] *Гавҳаршодбегим мадрасаси ёнига келиб, гулдастага қаради, зангори кошинлар ой нурида ярқираб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Туркум, тўплам. *Хонанда, айниқса, санъатсевар дўстларига ўзининг аввалгиларига ўхшамайдиган янги қўшиқлар гулдастасини Наманган шаҳридаги «Навбаҳор» марказий ўйингоҳида тақдим этди.* Газетадан.

ГУЛДОН [гул + *ф.* دان – «сақлаш жойи» маъносини билдирувчи қўшимча] Гул солиб қўйиладиган идиш; ваза. *Биллур гулдон.* ▬ *Иқболхон чуқур хўрсинди, гулдонни жойига қўйиб, бошқа уйга ўтди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ГУЛДОР [гул + *ф.* دار – «бир нарсага эга» маъносини билдирувчи қўшимча] Гулли, гул-нақш солинган, безакли. *Сопи гулдор пичоқ.* ▬ *Бозор Ҳамроевич гулдор кўрпачага ўтириб, атрофга разм солди.* Ў. Усмонов Сирли соҳил. *Латофат буфетдан гулдор кўркам тарелка олиб.. ҳужрага кириб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ГУЛДУР *тақл. с.* Момақалдироқ сингари гулдураган товуш ҳақида. *Араванинг гулдури.* ▬ *Гулдур этиб, булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.* Ҳамза.

ГУЛДУРАК Момақалдироқ ва унинг овози. *Гулдураклар гулдураб қолар, чақмоқ чақар момақалдироқ.* А. Пўлкан, Изҳор. *Ҳаво гулдуради ва бу гулдурак худди Пўлатнинг боши устида бўлгандек, уни ҳозирнинг ўзидаёқ янчиб юборгудек туюлди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Чотқол тоғ устини бир лаҳза ёритиб чақмоқ чақар, кейин еру кўкни ваҳимали гулдурак товуши тутиб кетар эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ГУЛДУРАМОҚ Момақалдироқ овозига ўхшаш овоз чиқармоқ. *Худди шу пайт бутун чўлни сутдек ёритиб чақмоқ чақди-ю, момақалдироқ гулдураб ўтди.* М. Мансуров, Ёмби. *Танк гулдураганича келиб, [Аҳмаджон ётган] окоп устидан ўтиб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бирдан ҳавода душман самолёти моторининг гулдураган овози эшитилди.* Н. Сафаров, Тилсимчилар.

ГУЛДУРОС Гулдураган овоз ҳақида. *Алижон учинчи рота.. томонга бурилган ҳам эди, қарағайлар тепасидаги қоронғи осмонда моторлар гулдуроси янгради.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Тепада гулдурос кўтарилиб, гўё тоғ кўчди-ю, уйдай-уйдай тошлар бирбирига урилиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Кучли; давомли. *Гулдурос қарсаклар зални титратиб юборди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Яна гулдурос қарсаклар янгради.* К. Яшин, Ҳамза.

ГУЛДУР-ШАЛДИР *рвш.* Гулдураб, шошилинч равишда. *Мулла Обид чўчиб кетади, Берди татар гулдур-шалдир ҳужрага кириб келади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *У* [*Ҳафиза*] *гулдур-шалдир ҳовлига кириб келиб, кутилмаганда бувисини таажжубга солди.* Мирмуҳсин, Умид.

ГУЛДЎЗ [*ф.* گلدوز – гул тикувчи, каштачи] Матога гул солиб тикувчи (аёл).

ГУЛДЎЗИ [*ф.* گلدوزی – гул, кашта тикиш] Гул солиб тикилган, гулдор. *Бошимдаги онам тиккан гулдўзи дўппи болаларнинг кўзини қамаштирарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ГУЛЕТИМ [гул + етим] Отасидан айрилиб, онаси билан қолган етим қиз ёки бола. *-Қадимгиларнинг: она билан қолган гулетим, ота билан қолган шуметим, деганлари бежиз эмас экан-да, – деди Башорат.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

ГУЛЁР [гул + *ф.* یار – дўст; севимли киши] **1** *кам қўлл.* Гўзал ёр, жонона. *Кокилингга қора мунчоқ тақайин, Сизнингдек гулёрни қайдин топайин.* «Оқ олма, қизил олма».

2 Ёр, жонон шаънига айтиладиган қўшиқ номи. *«Гулёр»га сол созингни, «Баёт»га сол бозингни, Тинчлик қўшиғин бошла, Эшитай овозингни.* «Қўшиқлар».

ГУЛЖАБИН [гул + *а.* جبين – пешона] Гул юзли. *Гулжабинлар даврасинда, майлига, минг розиман, Бир умр бўлсам асир, бўлсам камол Душанбада.* Уйғун, Тонг қўшиғи.

ГУЛЗОР [*ф.* گلزار – гул билан қопланган майдон] Гул экилган ер, чаманзор, гулшан. *Нигора гулзорда гул териб юрган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гулзорларда булбул сайраса, Гул ҳидидан кўнгил яйраса.* Уйғун.

ГУЛИСТОН [гул + *ф.* ستان – «эгалловчи» маъносини билдирувчи қўшимча] *поэт.* Яшнаган, обод ер; боғ-бўстонлар макони бўлган ўлка. *Канал қазиб, чўлни қилдик гулистон, Даламиз нашъали, даламиз бўстон!* М. Алавия. *Энди менинг ширин жоним керакмас, Фасли баҳор, гулистонлар керакмас.* «Ширин билан Шакар».

Олам гулистон «Масала, муаммо ҳал», «иш битади-қўяди», «тамом», «вассалом», «ҳамма хурсанд» каби маъноларда айтиладиган ибора. *Аммо сиз «хўп» десангиз, олам гулистон.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чўчиманг. Биттагина дадил қадам ташласангиз, олам гулистон бўлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ГУЛИСУМБУЛ [гул + сумбул] Пиёзгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик; гиацинт.

ГУЛКАРАМ [гул + карам] Ҳосили тўпгул шаклида бўладиган бир йиллик карам тури.

ГУЛКОР [*ф.* گلكار – боғбон; гул ўстирувчи] Нақш-гул ўювчи ёки ясовчи уста, мутахассис. *Унга* [*уста амакига*] *кулоллар, гулкорлар ва читгарлар каби усталар ўз ишлари учун чизма нақшлар буюрар эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Техник, прораб керак, ғиштчи, сувоқчи гулкор, моҳир дурадгорлар керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ГУЛКОСА [гул + коса] *бот.* Гулнинг гултож, чангчи ва уруғчиларини тутиб турувчи қисми.

ГУЛКЎРПА Уй деворларига осиб қўйиладиган ёки тахмонга ёпиладиган сўзана. *Қўша-қўша палак, қўша-қўша паранжи, уч-тўрт уйни ясатишга етадиган дорпечлар, гулкўрпалар, чойшаблар.. Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тақир ерларнинг кўриниши жуда бошқача: майса, лолақизғалдоқ, чучмомалар, худди гулкўрпа ёпиб қўйгандай, кўк, қизил, яшил тусда товланади.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ГУЛЛАМОҚ I **1** Гул очмоқ, гулга кирмоқ. *Ғўза гуллади. Бодом гуллади.* ▬ *Деразамнинг олдида бир туп Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.* Ҳ. Олимжон. *Ғўзалар гуллаётган пайт.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма.* Равнақ топмоқ, ривожланмоқ; обод бўлмоқ. *Тоштемир Сурхон водийсининг гуллаган воҳаларини кўриб, айланиб чиқди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. [*Янгиер*] *Бошида қандай эди-ю, ҳозир қандай? Одамнинг қадами тегди-ю, гуллаб кетди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Гул-гул очилмоқ, гўзаллашмоқ, яшнамоқ; камолга етмоқ. *Умрининг гуллаган даври қамоқхоналарда ўтган Шоҳназар озодликнинг биринчи куниданоқ нима қилишини билмай, бош қашлаб қолди.* «Муштум». *Ёш авлод – келгусимиз, фахримиз ҳам кўркимиз. Ёшлик – бу умримизнинг гуллаган баҳоридир.* Э. Раҳим, Янги қадам.

Оғзидан гулламоқ Ғайришуурий равишда сирини очиб, айтиб қўймоқ. *-Эшитинг, –*

деди Эргаш. — Бирламчи шартим: бу ишингизни ўла-ўлгунча сир тутасиз, оғзингиздан гулламайсиз. К. Яшин, Ҳамза. *Фақат бориб таништиргунча, оғзингиздан гуллаб юрманг.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ГУЛЛАМОҚ II Моғорламоқ, пўпанак босмоқ. *Нон гуллабди.*

Қўлингдан (*ёки* **қўлидан**) **гуллагур** *қарғ.* Қўлинг шол бўлгур, қўлинг сингур. *-Қайси қўлингдан гуллагур бу картошкани артди, — деди у бўғилиб, — ярмини пўчоққа чиқариб юборибди-ку!* «Муштум».

ГУЛЛАТМОҚ 1 Гулламоқ I **2**, **3** фл. орт. н. *Мен ҳам сенга ҳар нафас Шафқат қўлин чўзайин, Қути учган ҳаётинг Гуллатайин, тузайин.* Ғайратий.

2 Файз киритмоқ; қизитмоқ, кўтаринки руҳ бермоқ. *Кампир ҳам биз билан столнинг бир тарафини гуллатиб, савлат тўкиб ўтирди.* Ойдин, Ҳикоялар. *Унинг асл исми — Наби. Ўзининг ашуласи, чолғуси ва қизиқчилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари уни «Набигул» деб атаганлар.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Бировнинг уйини гуллатиб ўтиришга ярайманми?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ГУЛЛИ 1 Гули бор, гул-нақш солинган, гулдор; безакли. *Гулли дўппи. Олма гулли пиёла.* ■ *Улар япроқ гулли чинни косалардаги қовурма шўрвага нон тўғраб овқатланаётганларида, Гулсум кириб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ичида гули бор, ичига гул солиб қўйилган. *Гулли тувак. Гулли ваза.*

ГУЛМИХ [*ф.* گلميخ — катта қалпоқли мих; қозиқ**]** Қозиқ. *Қамиш босган Захариқ бўйидаги гулмихларга қўйлар боғлаб қўйилган.* С. Нуров, Нарвон. *Эски тошойна, гулмихга илинган кийим-кечаклар — уйчанинг оддий жиҳози шу.* «Саодат».

ГУЛМОҲИ [*ф.* گلماهی — гул балиқ] Лососсимонлар оиласига мансуб, тоғ сувларида яшайдиган холдор балиқ. *Маҳаллий халқ гулмоҳини ажойиб бир усул билан овлайди.* А. Омонов, Сурхон балиқлари.

ГУЛНОР [гул + *ф.* نار — анор] **1** *от* Анор гули.

2 *сфт.* Анор гули рангидаги, қизил, қирмизи. *Ёноғи шафақ рангу лаби лолага ҳамжинс, Гул-гул очилиб, у юзи гулнор ўтажакдир.* С. Абдулла.

3 Гулнор (хотин-қизлар исми).

ГУЛНОРА 1 Гулнинг бир тури. *Тўтиқиз девор тагидаги гулнора орқасидан бирдан югуриб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Гулнора (хотин-қизлар исми).

ГУЛОБ [гул + *ф.* آب — сув] **1** Атиргул гулбаргидан махсус усулда олинадиган сув. *Баҳор дарахтларни ёш келинлардек безатиб, устларига оқ, қизил кўйлак кийгизган, кокилларига гулоб сепган эди.* М. Осим, Ўтрор. *Гулоб билан ювайинми зулфингни? Шамол бўлиб гул юзингни силайми?* Уйғун.

2 Атиргул сувидан тайёрланган ширин ичимлик; шароб; май. [*Навоий*:] *Гулоб.* [*Мансур косани узатиб*:] *Мана, пирим, гулоб.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ниҳоят, Ўтар бобо хоннинг мушкулини осон қилмоқни ўйлаб, гулобга оз-оздан афюн қўшиб бера бошлади.* С. Сиёев, Аваз.

ГУЛОБИ I [*ф.* گلابی — пуштиранг] Гулоб рангли, пушти. *Очил қайрилиб қараб, гулоби кўйлак кийган Замирани ён томондан кўриб қолди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ГУЛОБИ II Қовуннинг кечпишар нави.

ГУЛОБЧИ Гулоб тайёрловчи; гулоб сотувчи. *Гулобчи дўкондор қўлларини орқасига қўйиб, юмалоқ қорнини чўққайтириб, дўкон олдида аста юрди.* Ойбек, Қонли бармоқлар.

ГУЛРАЪНО [гул + раъно] *айн.* **раъно 1.** *Уларнинг* [*аммамнинг*] *уйидаги гулларнинг-ку сон-саноғи йўқ: гулбеор, гулраъно, гулсапсар..* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ГУЛРУХ [*ф.* گلرخ — қизил ёноқли, гул юзли] **1** Гул юзли, гул ёноқли; чиройли, гўзал. *Гулгунмисиз, гулрухим, дил боғимда наргизам, Қуёш янглиғ чорлайсиз, муҳаббати дуркуним.* Э. Охунова.

2 Гулрух (хотин-қизлар исми).

ГУЛРЎ [гул + *ф.* روی — юз; юза] *қ.* **гулрух.** *Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади.* Навоий. *Ўғлонлар ўтишар гўё сор бургут, Не пари, не гулрў, лайло, ойбарчин.* Миртемир.

ГУЛСАПСАР Қиёқ баргли, оқ, пушти, зангори, бинафша ёки сариқ гулли кўп йиллик ўсимлик ва унинг гули. *Йўллар бўйлаб гулсапсарлар яшнайди.* Ойбек, Навоий. *Ҳали қушлар уйғонмай, кўзни очиб тонг саҳар, Кезар эдик боғма-боғ, излаб лола, гулсапсар.* Ҳ. Салоҳ.

ГУЛТОЖ [гул + тож] **1** *бот.* Гулнинг гулбарглардан ташкил топган ва гулкосани тўлдириб турган қисми; тож.

2 Гулдан ясалган тож, гулжиға. *Баҳор қадаб бошингга гултож, Еллар эсса, бил, ўша менман.* Шуҳрат.

3 *кўчма* Бирор нарсанинг энг сараси, энг олийси. *Одамзод бўлган пайдо, Ҳуснига олам шайдо, Одам — олам гултожи..* Қ. Муҳаммадий. *Шеърият гултожи — драма демак, Менинг театрим қалбим саҳнида.* А. Исроилов.

ГУЛТОЖБАРГ [гул + тож + барг] *айн.* **гулбарг.**

ГУЛТОЖИХЎРОЗ [гул + тож + хўроз] Хўроз тожига ўхшаш тўп гулли ўсимлик ва унинг гули. *Унинг атрофида қип-қизил гултожихўрозлар чайқалиб турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ГУЛТУВАК Ичига тупроқ солиб, гул ўстириладиган тувак. -*Мана, оға, одамбашара бўлиб келдим, — деди* [*Матпано*] *аста, — на десангиз, ихтиёрингиз ўзингизда. Мен бир гувала лойман, истанг — хум ясанг, истанг — гултувак.* С. Сиёев, Аваз.

ГУЛУЗОР [гул + узор] Гул юзли, гўзал. *Еллар, соғинганимни ул гулузора айтинг, Қоши қалам, париваш, кўзи хумора айтинг.* Уйғун.

ГУЛУТА *шв.* Гилвата. *Хотин тураётиб, баралла йиғлаб юборди: -Бу ер юткур қандай бало экан!.. Одамлардай гулутага, тузга, кесакка бошқоронғи бўлсам-чи*! А. Қаҳҳор, Анор.

ГУЛХАЙРИ [гул + *а.* خير — яхши, саховатли] Баланд пояли, йирик гулли бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимлик ва унинг гули. *Ҳовличанинг ичида гулхайри ва қабоқлар ўсиб гуллаб ётибди экан.* «Гўрўғлининг туғилиши». *Қадимдан гулхайрининг қайнатмаси билан кўкйўтал, ўпка шамоллаши, нафас қисиш каби касалликлар даволанган.* Газетадан.

ГУЛХАН [*ф.* گلخن — оташдон] Исиниш ёки бошқа бирор мақсадда ўтин қалаб, атайлаб ёндирилган ўт, аланга. *Ўлтирибди икки дўст, ўртоқ, Отамлашиб гулхан ёнида.* Ҳ. Пўлат. *Гулхан теварагида бир неча киши исинмоқда эди.* С. Айний, Қуллар. *Куёвнинг ҳовлиси ўртасида катта гулхан ёнарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГУЛХАНЧИ Гулхан ёқувчи. *Гулханчи оёқ учида келиб, машъалага лампамой қуйиб кетди.* С. Сиёев, Аваз.

ГУЛХОНА [гул + хона] **1** Хонадонларда махсус ажратиб, гул экилган ер. *Хадича аянинг чеҳраси очилди. Гулхонага кириб, ранг-баранг гуллардан дасталаб, Марҳаматга узатди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Гул экиб, гул ва гул кўчати етиштириб берадиган махсус ташкилот; оранжерея.

ГУЛЧАМБАР [гул + чамбар] Гул ва унинг баргли новдасидан тайёрланган чамбар. *Қишлоқ меҳнаткашлари ўз жанговар фарзандларининг номларини ҳурмат билан тилга олиб, уларнинг қабрига гулчамбарлар қўядилар.* А. Раҳмат, Шоир жанг қилган жойларда.

ГУЛЧЕЛАК Гулга сув қуядиган челак. *У* [*Ориф ота*] *гулчелакни олиб, анҳор лабига борди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ГУЛЧЕҲРА [гул + чеҳра] **1** Гул юзли, чиройли, гўзал. *Қалам қошлар бежирим, сокит, Гулчеҳрангда сипойи ғурур.* Уйғун.

2 Гулчеҳра (хотин-қизлар исми).

ГУЛЧИ **1** Гул экувчи, гул етиштирувчи мутахассис. *Ҳаваскор гулчи.*

2 Гул сотувчи; гулфуруш. *Улар* [*йигитлар*] *..гулчидан гул сотиб олиб, қизларга тақдим қилдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГУЛЧИЛИК Гуллар, манзарали ўсимликларни етиштириш, боғ-хиёбонларга экиш, гулдасталар тайёрлаш билан шуғулланиш; гулчи касби. *Эрмакка гулчилик қиламан, режаларим бор, мижозлар ўзлари уйдан олиб кетишади.* Н. Аминов, Қалтис хато. -*Гулчилик осон иш эмас. Бу иш жуда катта қунт талаб қилади, — деди ўқитувчи ўқувчиларга.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ГУЛЧИН [*ф.* گلچين — гул терувчи] Этик ёки маҳси каби оёқ кийимларининг орқа (товон) қисми (баъзан гул ёки нақш билан безатилади). -*Бу ерда [бозорда] ҳамма нарса топилади: ..ёлпўш; гулчин билан тагчарм қўйилса, ҳали кийса бўладиган нимдошгина сахтиён маҳси дейсизми.. — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Панжара гулчин Жимжимадор, серҳашам. *Кечаси ташқарига бир қарич қор тушди. Деразаларнинг ойналари панжара гулчин сингари ғалати-ғалати нақшлар билан безалдилар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ГУЛЧИРОЙ **1** *кам қўлл. айн.* **гулчеҳра 1.**

2 Гулчирой (хотин-қизлар исми).

ГУЛШАН [*ф.* گلشن — гулзор] *поэт.* **1** Гулзор, гулбоғ, чаманзор. *Оҳ, ажиб гулшанда ҳам бўлмаса дейсан тикан, Одам-ку бу — одамзод, бетимсол буюк, кабир.* А.Орипов.

Шералихон гулшан боғининг деворини ёқалаб, деворнинг тушлигига етди. «Эрали ва Шерали».

2 *кўчма* Гуллаган, яшнаган ер, обод ўлка, мамлакат; гулистон. *Томоша қилгали Тошкентнинг эли, Шу вақтда бўлибди шаҳарлар гули. Бир-биридан зиёд зебо манзили, Бу гулшанда мен ҳам тургали келдим.* Эргаш шоир. [*Холисхон Тожибойга*:] *Қани, сўраганнинг айби йўқ, кўзимга ўтдек кўринасиз, қайса гулшаннинг гулисиз?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

3 Гулшан (хотин-қизлар исми).

ГУЛШОДА 1 *айн.* **гулчамбар**. *Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳиндистонлик студентлар, қадимий анъанага кўра, Ўзбекистон раҳбарлари бўйнига гулшодалар осиб қўйдилар.* Газетадан.

2 Гулшода (хотин-қизлар исми).

ГУЛЮЗ 1 *қ.* **гулузор**, **гулчеҳра 1**. *Жойи шамшод ул ҳам гулюз дилбардур, Керакмасдур менга жою гавҳарлар.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Гулюз (хотин-қизлар исми).

ГУЛЯШ [*венгр.* hulaş] Майда бўлакларга бўлиб қовурилган гўштга гуруч, макарон ёки карам гарнири қўшиб тайёрланган таом. *Трестимиз ҳузурида.. кабоб, котлет, гуляш ва бошқа хом таомларни тайёрлаб берувчи цехлар ташкил этилди.* Газетадан.

ГУЛҚАЙЧИ Гул, ток кесадиган махсус қайчи; токқайчи. *Саримсоқ ота.. гулқайчи билан ёш дарахтларнинг пастки шохбутоқларини қирқиб юрарди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Бобом гулқайчи билан қўларра олиб чиқиб кетди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

ГУЛҚАНД [гул + қанд] Атиргул гулбарги ва шакардан тайёрланадиган ширинлик; қиём. *Гулқанд.. эфир мойлари, глюкоза, сахароза ва бўлак фойдали моддаларга бойдир.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

ГУЛҚОҒОЗ [гул + қоғоз] Уй деворларига ёпиштириладиган гулли қоғоз.

ГУЛҒУНЧА [гул + ғунча] Гул ғунчаси, очилмаган гул. *Жавоб беринг, кетай Эрон шаҳрига, Чаманда кўринди менга гулғунча.* «Баҳром ва Гуландом».

ГУЛҲАМИШАБАҲОР [гул + ҳамиша + − баҳор] Баҳордан то кузгача очилаверадиган қизғиш-сариқ гулли ўтсимон ўсимлик ва унинг гули. *Намозшомгул билан садарайҳон, гулбеор билан гулҳамишабаҳор ҳам бирбиридан кўримли.* Ҳ. Назир.

ГУМ I [*ф.* گم − ғойиб, пинҳон] Дарё ёки кўлнинг чуқур жойи; чуқур. *Амударё гум экан, Тевараклари қум экан.* «Қўшиқлар». *Нусратбек дарҳол улардан кўзини олиб қочдида, сув олгани энкайди, болалигида тенгқурлари билан дарёга чўмилгани боришганини эслади. Чуқурроқ жойни топиб ёки қумни суриб − гум қилиб чўмилишарди.* С. Нуров, Нарвон.

Гум бўлмоқ Йўқолмоқ, даф бўлмоқ. **Гум қилмоқ** 1) ўғирлаб, билдирмай йўқ қилмоқ. *Мулла Обид йигитларига, Абдужалил бойнинг ахтахонасида боқиб қўйган бир жуфт тулпорларини гум қилишни буюради.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) йўқ қилмоқ, даф қилмоқ; 3) ўлдириб, ҳеч кимга билдирмай йўқ қилмоқ. [*Султонбек Турғунга*:] *Қўлингдаги қоғозда номлари кўрсатилган беш кишини топ, гум қил.* К. Яшин, Пьесалар.

ГУМАНИЗМ [*лот.* humanus − инсоний, одамий] Инсонпарварлик, кишини қадрлаш, унга муҳаббат ва ҳурмат билан қараш; кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш. *Достонда муҳаббат темаси оптимистик тарзда ҳал қилиниши билан бир қаторда қаҳрамонлик, дўстлик ва гуманизм ғоялари ҳам реалист санъаткорга хос уйғунлик ва моҳирлик билан берилган.* «ЎТА».

2 *тар.* Уйғониш даврида (13−14-асрларда): инсонни феодализм ва унинг мафкураси ҳисобланмиш католицизм асоратидан озод қилишга қаратилган илғор ижтимоий ва адабий ҳаракат; дунёқараш.

ГУМАНИСТ Гуманизм тарафдори; инсонпарвар, одампарвар. *Улуғ гуманист образи ўрта аср туни қоронғилигини ёритувчи ёруғ машъал каби менинг хаёлимни эгаллаб олди.* «ЎТА».

ГУМАНИСТИК Гуманизмга, инсонпарварликка оид; инсонни улуғлаш ғоялари билан суғорилган. *Тинчлик учун кураш, гуманистик ғоялар тантанаси учун кураш ишига ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.* Газетадан.

ГУМАНИТАР [*лот.* humanitas − инсон табиати; маънавий маданият] Кишилик жамиятига, инсон ва унинг маданиятига, инсонпарварликка оид.

Гуманитар ёрдам Инсонпарварлик ёрдами. **Гуманитар фанлар** Инсон ва унинг маънавий маданиятини ўрганувчи ижтимоий

фанлар мажмуи (мас., фалсафа, тарих, сиёсий иқтисод, филология).

ГУМАШТА [*ф.* گماشته – ваколатли шахс; хизматкор] **1** *тар.* 20-аср бошларига қадар Туркистонда катта савдогар бойларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи ишончли кишиси, вакили. *Баъзи серпул – катта дунёдор кўпас бойлар узоқ юртларга ўз гумашталарини юбориб, ўзлари кайф-сафо билан машғул бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [*Абдулла Қодирий*] *1912 йилда яна бошқа бир савдогарга йилига 50 сўм иш ҳақи билан гумашта бўлиб киради.* «ЎТА.».

2 *кўчма* Бирор кимсани қўллаб-қувватлаш билан муайян амалга тайинланган ёки биров томонидан махсус топшириқ билан қўйилган шахс. *У* [*Ваҳоб Бердиев*] *аппаратни ўз гумашталари билан тўлдирди.* Газетадан. *Солиҳбой гумашталари эса буни ўзларича изоҳлаб, бойнинг саховатпешалиги, камбағалпарварлиги деб тушунадилар.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

ГУМБАЗ [*ф.* گنبذ / گنبد – қубба, равоқ] **1** Қубба шаклидаги том; қубба тахлитидаги нарса. *Цирк гумбази. Ҳаммом гумбази.* ▬ *Тўғрида Ҳирот мадрасаларининг нақшли гумбазлари эрталабки қуёш нурида ярқираб кўринмоқда.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *-Гумбазни кошин билан безатмоқчи бўлибсиз, кошинингиз етарлими? – деди* [*Хонзода*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Бесўнақай, катта, семиз одам ҳақида. *Тунов куни холамникига борган эдим, холам.. ҳамма гапни Ҳомид чўчқанинг қулоғига етказувчи ўз қизи Зайнаб гумбаз бўлганини бирма-бир айтиб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кўк гумбази *кўчма* Осмон. *Бола ҳар кун келар оқшомда, Тут тагига бориб ўтирар Ва сарҳадсиз нилий осмонга – Кўк гумбазга боқиб ўй сурар.* Х. Даврон, Тунги боғлар.

ГУМБАЗДАЙ, -дек *кўчма* Катта, семиз, бесўнақай. *Ҳай, гумбаздай қиз бўп қопсан-а, вой, холанг ўргилсин сендан, ҳой, манга қара, менга келин бўласанми?* Ю. Шомансур. Қора марварид. *Эшниёз қари бияда гумбаз бўлиб ўтирипти.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ГУМБАЗСИМОН Гумбаз тахлитидаги, гумбазга ўхшаган. *Шу сабаб кўприк дарё устига ярим гумбазсимон бўлиб «қўнган».* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ГУМБУР 1 *тақл. с.* Портлаш чоғида чиқадиган ёки портлашга ўхшаш кучли, давомли товуш ҳақида. *Базм борган сари қизимоқда, чирманда гумбурига қўшилиб, ялпи қийқириқлар эшитилмоққа бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ноғоралар гумбури ва карнайлар садоси яна осмону фалакка чиқди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 *сфт.* Мустаҳкам, пишиқ-пухта. *Гумбур арава.* ▬ *-Машина гумбур,– деди Ражаб ака.– Энди бу ёғи сенга боғлиқ, ука!* К. Раҳим, Ўз касбини севган йигит. *Аравалар гумбур, отлар семиз, керакли анжомлардан ташқари, турли ҳашамлар билан безатилган.* Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

Иш гумбур Иш жуда яхши, иш авжида. [*Мирзараим Гулжонга*:] *Мана шу хат билан иш гумбур. Гулжонни лўкиллатамиз-қўямиз..* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Унинг* [*Миркомилнинг*] *ишлари гумбур.* К. Яшин, Ҳамза.

ГУМБУРЛАМА *қ.* **гумбур 2**. *Гумбурлама арава.* ▬ *Комилахон, халқ ичида мени изза қилаверманг, эрта-индин гумбурлама кўприк ясаймиз.* Ойбек, О.в.шабадалар.

ГУМБУРЛАМОҚ Портлашга ўхшаш кучли ва давомли овоз чиқармоқ. *Тағин хонани титратиб момақалдироқ гумбурлади.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Қаердадир тўплар шошилмасдан, вазмин гумбурлайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бепоён далада милтиқ гумбурлаб, акс-садоси узоқ-узоқларга кетгач, бир неча дақиқа атрофни сукунат босди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ГУМБУРЛАТМОҚ 1 Гумбурламоқ фл. орт. н. *Асқар полвон ўйланиб, ҳали жавоб берганича йўқ эди, оғир булутли ҳавони артиллерия даҳшатли гумбурлатиб юборди.* Ойбек. Қуёш қораймас.

2 *кўчма.* Қиздирмоқ; дўндирмоқ. *Жувон, эри Суярқул сепоячи сувга оқиб ўлмасдан олдин, жарангли овоз билан лапар айтар, шўх-шўх ўйнар, тўйларни гумбурлатиб юборарди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ГУМ-ГУМ *тақл. с.* Кетма-кет портлашлар натижасида ҳосил бўладиган бўғиқ овоз. *Мана энди ҳар икки тарафдан ҳужум. Патир-путир, гум-гум бошланди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

Кўнглим гум-гум кетяпти Кўнглим беҳузур бўлиб кетяпти, кўнглим айнияпти.

ГУМДОН [*ф.* گمدان < گم شده – йўқолган; адашган; ғойиб бўлган]: **гумдон бўлмоқ** Гум

бўлмоқ, йўқолмоқ, даф бўлмоқ. *-Агар тағин эргашса, отиб кетишга аҳд қилдим. Аммо далага бурилишим билан у* [*йигит*] *ҳам гумдон бўлди, — деди Қулмат.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Гумдон қилмоқ** Гум қилмоқ, йўқ қилмоқ. *-Агар Содиқлар ана шу ўн тўрт кишини гумдон қилмасалар, Самсоқбойни ҳам қўлга тушириб бўлмасди, — деди Михайлов.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. **Гумдон бўлгур!** (қарғ.) Йўқ бўлгур, ўлгур.

ГУМОН [*ф.* گمان — фикр, фараз; шубҳа] Бирор нарсанинг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ишонмаслик; шубҳа. *Бу қон энг қутлуғ, энг муборак, энг соф қон... Бунга гумоним йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар гумоним тўғри бўлса, Комилбекнинг қотили Ҳомиддир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бундан дуруст жойнинг топилиши ҳам гумон.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Гумон қилмоқ 1) шубҳа қилмоқ, шубҳаланмоқ. *Сен кимдан гумон қиляпсан*?; 2) тахмин қилмоқ, ..деб ўйламоқ. *Ҳозирги афтини кўрган киши уни* [*Рўзиматни*] *гапсўзда йўқ, ўзи тўнггина бир йигит гумон қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бўронбой Ҳамзани уйқуга кетди, деб гумон қилди.* К. Яшин, Ҳамза.

Гумон олмошлари *тлш.* Предмет, белги кабилар ҳақида ноаниқ тасаввур англатувчи, уларга тахминли ишора қилувчи олмошлар: *аллаким, алланима, кимдир, нимадир, қандайдир*. **Гумон феъли** *тлш.* Иш-ҳаракатнинг бўлишини гумон-тусмол йўли билан англатадиган феъллар, мас. *борарман, айтарсиз, боришар.*

ГУМОНА [*ф.* گمانه — шубҳа; тахмин] *с. т.* Она қорнидаги бола, ҳомила. *Мендан Буви Ҳилолнинг бўйида олти ойлик гумона қолди.* «Гўрўғли». *Иби, бола туғиш қачондан буён уят бўлди? Ёш, соғломсан, туғ. Ахир, гумонанг.. -Бўлди! —Холиса қошларини чимириб, гапни узди.* С. Нуров, Нарвон. *Отаси урушга кетганда, Эшмуҳаммад чақалоқ, Нурмуҳаммад эса гумона эди.* Газетадан.

ГУМОНДОР [гумон + *ф.* دار — «бирор нарсага эга бўлган» маъносидаги қўшимча] Бирор кимса ёки нарсадан гумон, шубҳа қилувчи, шубҳаланувчи; гумон, шубҳа қилувчи. *Кавшимни олган бир киши, гумондорим минг киши.* Мақол. ▬ *-Гумондор борми? — деди уста. -Гумондор-ку йўқ, аммо бечоранинг ўлими жуда қизиқ кунга тўғри келиши ажиб, — деди уста Фарфи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ГУМОНЛАНМОҚ Бирор кимса ёки нарсадан гумон қилмоқ, шубҳаланмоқ. *-Нима деяпсиз? — гумонланиб сўради Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГУМОНСИРАМОҚ Бирор кимса ёки нарсадан бир оз гумон қилмоқ, шубҳаланмоқ. *Эргаш стол олдига келаётиб, орқасидаги Добротворцевга яна гумонсираб қаради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ГУМРОҲ [*ф.* گم — йўқолиш + راه — йўл] *кт.* **1**. Йўлдан озган, адашган; янглишган. [*Навоий*:] *Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ҳозир пир ўзларини эмас, сизларни ўйлайдилар, тонг саҳарларда жойнамозга тиз чўкиб, «ҳақ йўлдан адашган гумроҳ бандаларингга ғазаб қилма», деб худога сиғинадилар.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Шундай шахсга нисбатли койиш, ҳақорат. *-Сен гумроҳ, она сути кўр қилгур, адашиб, улоқиб келиб, яна инсофдан дам урасан-а! — деди Жўра.* Ҳ. Назир, Онаизор. *Вой гумроҳ, танимайсанми ҳали!* Ойбек, Навоий.

3 Ўқимаган, илмсиз, оми. *-Мен бўлсам, тамом гумроҳман, на ўқишни биламан, на ёзишни. Омилигимча қолганман, — деди ўксиниб Унсин.* Ойбек, Улуғ йўл.

ГУМРОҲЛИК Йўлдан озишлик, адашганлик; хатолик; янглиш, хато иш. *Иккиси ҳам аҳмоқ. Иккисининг йўли ҳам, менимча, гумроҳликдан бошқа нарса эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Садриддин фарзандлик бурчининг энг оддий шартини ҳам унутиб, отасини оёғости қилишдан — гумроҳликдан тортинмади.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ГУМУРМОҚ: юраги гумурмоқ Юраги гупилламоқ, дукилламоқ, юраги тез уриб кетмоқ. *У эшикдан кириши билан, Саидийнинг юраги гумуриб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳовузда қалқиб турган сувга тикилсам, юрагим гумуради.* Н. Сафаров, Наврўз. **Кўнглим гумуриб кетяпти** Кўнглим беҳузур бўляпти, кўнглим айнияпти.

ГУМУС [*лот.* humus — тупроқ, ер] *қ.х.* Тупроқда ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг биокимёвий ўзгариши (чириши) натижасида ҳосил бўлувчи, тупроқ ҳосилдорлигини таъминловчи барқарор органик

бирикмалар мажмуи. *Гумус бирликлари ва уларнинг тупроқда тарқалиши тупроқ типининг муҳим белгиси ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

ГУНАФША *с. т.* Бинафша. *Қишлоққа баҳор илгарироқ келди, шекилли, Васила Назаровна танаффус пайтида йўлакда югуриб кетаётган бир қизалоқнинг қўлида гунафша кўриб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ГУНГ [*ф.* گنگ – соқов; ноаниқ, тушунарсиз] **1** Сўзлаш қобилиятидан маҳрум бўлган; тилсиз, соқов, гунгалак. *Гунг одам.* ■ *Тегирмонга буғдой солдим, Кам эканин билмадим, Шу кишига лапар солдим, Гунг эканин билмадим.* «Оқ олма, қизил олма». *Гунг дарвеш қабр тепасида ўтириб, узоқ тиловат қилди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 *кўчма.* Сўзлаш, гапириш ҳуқуқидан маҳрум бўлган; тилсиз, эрксиз. *Подшо хизматидаги инсон гунг ва шол бўлиши керак экан.* Ойбек, Навоий. *Атроф ёлғон билан тўлганда, Ичга ютиб титроқ, нолани, Катталар гунг бўлиб қолганда, Қутла чин сўз айтган болани.* Х. Даврон, Тунги боғлар.

ГУНГАЛАК *с.т.* Гунг. *Шоҳимиз бебахт. Унинг оламга довруғи кетган яккаю ягона сулув қизи туғилган кунидан бери гунгалак бўлиб юради.* «Эртаклар». *Ҳай-ҳай ўлан, ҳай ўлан, Дўнгалакми, ёр-ёр, Куёв поччам сўзламайди, Гунгалакми, ёр-ёр.* Ё. Жўраев, Ислом, хотин-қизлар, фольклор.

ГУНГУР-ГУНГУР *айн.* **гангир-гунгур**. *Гунгур-гунгур суҳбат ва кулги овозлари эшитилади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ўроз дўмбирани четга қўйди. Гунгур-гунгур суҳбат билан чой ичилди.* Ойбек,Танланган асарлар.

ГУНГУРСДАЙ, -дек *с.т.* Жуссаси катта; гавдали, гумбаздай. *-Зовур қазиётганларнинг қаери сиздан кам. Гавдангиз гунгурсдай, бир йигитча қувватингиз бўлса, оғиримизни енгил қилишингиз керакмасми! – деди Валижон Асқаралига.* Ҳ. Назир, Олмос. *Соатовга қоронғида гунгурсдай бўлиб кўринаётган ҳар бир адир, ҳар бир тепанинг тагида бир гап бордек туюлар эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ГУНГУРТ Қора-сариқ тусдаги, қора-сариқ; қўнғир. *Раънонинг сочи гунгурт қора, яъни қуёшсиз жойда қора кўринса ҳам, қуёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ГУНОГУН [*ф.* گوناگون – хилма-хил, ранго-ранг] Хилма-хил, турли хил. *Ҳар қадами янги кундир, Ҳар баҳори гуногундир.* Миртемир.

ГУНОҲ [*ф.* گناه – айб] **1** *дин.* Шариат қонунига, диний ақидаларга хилоф иш, хатти-ҳаракат. *Домла ғулдираган овоз билан пўписа қилди: -Худонинг қудратига шак келтирманг. Гуноҳингизни орттирасиз. Сизнинг ҳамма қилмишингиз гуноҳ.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Каломи шарифда ёзилишича, йиғи-сиғи олло таолонинг иродасига қарши бориш билан баробар гуноҳдир.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган иш, ножўя хатти-ҳаракат; жиноят; айб. *-Нима гуноҳ қилибди шу гўдак? – деб ўйлади Нормат.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бир бечорага туҳмат қилишса-ю, била туриб, кўра туриб, жим ўтирсам, гуноҳ бўлмайдими?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Отабеклар нега қамалдилар, қандай гуноҳлари бор экан?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Шошманг, дада, – Гулнор унинг сўзини кесиб қичқирди. – Нега Йўлчига жазо берасиз, унда ҳеч гуноҳ йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

Гуноҳидан ўтмоқ *ёки* **гуноҳини кечирмоқ** Гуноҳ ёки айб иш қилган кишини кечирмоқ, афв этмоқ. *Холхўжага йигит бўлганинг эсингдан чиқдими? Ҳукумат гуноҳингдан ўтди-я.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Беш йиллик ўзгаришдан сўнг домла мударрис Абдураҳмоннинг эски гуноҳларини кечирган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Гуноҳини ювмоқ** Ўзини оқлаб, айб, гуноҳ, камчиликлардан фориғ бўлмоқ. *-Худо насиб қилса, ҳажга кетиб, гуноҳларимни ўша ёқда ювиб келаман, деб ният қилди отам, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Гуноҳга ботмоқ** Гуноҳ, айб иш қилмоқ; гуноҳкор бўлмоқ. *Бир маҳал қотиллар қўлларида замбил билан яна пайдо бўлишди. Худди қўллари тегса, «ҳаром» бўлиб, ўзлари гуноҳга ботадигандек, жирканиб туриб, жасадларни замбилларга солишди.* К. Яшин, Ҳамза. **Гуноҳи азим** Катта гуноҳ, айб. *Умар полвон ўйланиб қолди, анчадан кейин тилга кирди: -Қуръон – табаррук китоб, уни хор қилиш – гуноҳи азим.* К. Яшин, Ҳамза.

ГУНОҲКОР [*ф.* گناهکار – гуноҳ қилувчи, айбдор] **1** *дин.* Шариат қонунига, дин ақидаларига хилоф иш қилган шахс, айбдор. *Мункар-Накир.. бундай гуноҳкорни биринчи*

мартаба кўриши эди, яна гурзисини ишга солди. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

2 Одоб-ахлоқ доирасидан ташқари, ножўя иш қилган шахс; айбдор. *Мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб, ўзимни оқламоқчи эмасман, шулар қатори мен ҳам гуноҳкорман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Киши ўзини гуноҳкор ҳис қилса, беғам қувнаётганларга ҳаваси келади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Жиноят қилган, жиноятчи. *Гуноҳкор бўлмоқ.* ▬ *Дарров ҳалиги осилиш учун юборилган гуноҳкорларнинг орқасидан от билан югур! Дор остидан бўлса ҳам қайтариб кел!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Терговчи Отахўжа акани гуноҳкор қиладиган хат ёзиб, Зумрад опанинг ўзига қўл қўйдириб олмоқчи эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ГУНОҲКОРОНА [*ф.* گناهكارانه – айбдордек, гуноҳ иш қилгандек] Айб қилгандай, айбдордек. *Матпано бетини буриб, Авазга гуноҳкорона боқди.* С. Сиёев, Аваз. *Козим машинага ўтираркан, раисга гуноҳкорона боқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ГУП *тақл. с.* Оғир нарсанинг урилиши натижасида ҳосил бўладиган бўғиқ овоз ҳақида.

Гуп этиб 1) гупиллаб, зарб билан. *Полвоннинг кучи ошиб, ўз рақибини айлантириб чунонам урдики, у гуп этиб ерга йиқилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Зумрад гуп этиб, ўрнига чўкди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Йигитали мувозанатни сақлай олмай, ёнбошига гуп этиб йиқилди.* Т. Малик, Ажаб дунё; 2) бирдан ва сезиларли даражада. *қ.* **гупилламоқ 2.** [*Чарос*] *Эшикни очиши билан гуп этиб иссиқ ҳаво юзига урилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қудрат қорни очлигидан Аҳмадни ҳам унутиб, уйга кирди. Кириши билан билқиллаб қайнаётган декчадан хушбўй ҳид димоғига гуп этиб урди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ГУП-ГУП Гуп с. такр. *Аравалардан гумбурлаб тош-шағал ағдарилиши, янгроқ арра товуши, болға, босқонларнинг гуп-гупи қулоқни битирарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Гуп-гуп урмоқ *айн.* **гупилламоқ 1,2.** *..кимдир икки қўли билан гуп-гуп уриб, болишини кўпчитарди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Афшонсой томонда қурбақалар қуриллар, димоққа арча, наъматакгул, ёвшан, бўзтикан ва ёввойи пиёз ҳиди гуп-гуп урарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. **Юраги гуп-гуп урмоқ** Кучли ҳаяжонланишдан юраги безовталанмоқ. *Эшон аянинг ранги ўчган, юраги гуп-гуп урарди.* С. Аҳмад, Сайланма. [*Отабекнинг*] *Ҳалиги босинқирашидан юраги гуп-гуп урар ва вужудини тер босган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ГУПИЛЛАМОҚ 1 «Гуп» этган овоз чиқармоқ. *Ҳаммаёқ жимжит, фақат аллақаерда электростанция гупиллар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кимдир югуриб, ичкарига қочди, нимадир гупиллаб, ерга тушди, нимадир полга даранглаб думалади, синди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 Бирдан димоққа урмоқ, анқимоқ (ҳид, ис ҳақида). [*Ҳазратнинг*] *Қўлида катта сават, саватда бут-бутун қўй.. ундан арчада пишган кабоб иси гупиллаб турибди.* И. Раҳим, Тақдир. *Димоғимга наҳорда узилган хушбўй ҳандалакнинг ҳиди гупиллаб урилгандай бўлди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

3 Шиддат билан ёғмоқ (қор ҳақида). *Гуппилатиб йирик-йирик қор ёғарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қор ҳамон гупиллаб ёғарди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

Юраги гупиллаб урмоқ *айн.* **юраги гуп-гуп урмоқ**. *қ.* **гуп-гуп**. *Дилфузанинг юраги гупиллаб урганча, оёқлари бўшашиб, айвон устунига юзини босди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ГУППА I: **гуппа ташламоқ** Зарб билан йиқилмоқ; зарб билан ўзини отмоқ. *Катта оқар сувни сира кечмаган қозоқий чўл оти қамчи зарбидан ўзини гуппа дарёга ташлади.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ГУППА II: **гуппа урмоқ** *қ.* **гупилламоқ 2.** *Паловнинг буғи, ширин ҳиди гуппа уради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГУППАКЛАШМОҚ Тўдалашиб, бирбирини тортқилаб, босиб-йиқитиб, ёқалашиб ўйнашмоқ (болалар ҳақида). [*Рустам*] *Ана шундай шўхлик ва қувноқлик билан синфга кирди, папкасини партага улоқтириб, болалар билан гуппаклашиб ўйнаша бошлади.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

ГУППА-ГУППА *қ.* **гуп-гуп**. *Гуппа-гуппа ёғар эди момиқ қор, Бунча енгил, бунча оқ!* Ж. Жабборов. [*Умарқулнинг*] *Вақт ўтиб, яна дармони кета бошлади. Икки-уч қадам ташламасдан, гуппа-гуппа йиқилаверди.* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи.

ГУППИ I *шв.* Ҳовлиқма, шошма-шошар. *Очил Куч гуппироқ одам, гапга тез учади.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

ГУППИ II *шв.* Қалин пахтали чопон, тўн. *Адолат онаси келтирган қора духоба гупписини кийиб, бошига каттагина шол рўмол солиб олган эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Гуппи чопон кийган, патак соқолли ғўлабир киши эгардан ёнбошлаб тушди-да, Аваз билан қўшқўллаб кўришди.* С. Сиёев, Аваз.

ГУПСАР *эск.* Кечувдан ўтиш учун хизмат қиладиган, махсус усулда қўй ва мол терисидан тайёрланиб, ичига ҳаво тўлдирилган мешга ўхшаш мослама.

ГУПУРМОҚ 1 *айн.* **кўпирмоқ**. *Сув гупуриб оқмоқда.*

2 *кўчма* Жўшмоқ, жўш урмоқ; қайнаб тошмоқ; ҳовлиқмоқ. *Жамол, Мунаввар тутқазган бир қучоқ ранго-ранг атиргулни кўз олдига келтириб, ичидан қувончи гупурди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Қалбида қувонч гупуриб, худди ўғлини қучгандаги каби энтикди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ГУПЧАК Ғилдиракнинг марказидаги кегайлар қадалган ва ўқ ўрнатиладиган тешиги бўлган ўрта қисми. *Баъзан араванинг гупчаги тор кўчаларнинг деворларига, гоҳо ариқ четига экилган тол, теракларга бориб урилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Араванинг мойланмаган гупчаги ғирчиллаб, садақайрағоч тагидаги қироатхона олдидан ўтди.* И. Раҳим, Ихлос.

ГУПЧАКДАЙ,**-дек** Семиз, юмалоқ. *Ялпи шовқин билан «тортишмачоқ» бошланди: қиз томонда гупчакдек юм-юмалоқ хотин, белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳар йили эр-хотин курортга бориб, гупчакдек семириб келамиз, — деди Савлатхон ўртоғига.* Ғайратий, Довдираш.

ГУР Бирдан бошланган шиддатли ҳаракат ва ундан чиқадиган товуш ҳақида. *Қушлар гур этиб учди. Гур этиб ёнмоқ. Гур этиб кулиб юбормоқ.* ▬ *Ҳамма гур этиб ўрнидан туриб, таъзим қилганича қотиб қолди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ГУРАС-ГУРАС *рвш. шв.* Тўда-тўда бўлиб, тўп-тўп. *Унинг [Мақсуднинг] хаёлларини дарвозадан гурас-гурас кириб келаётган, дарсга ошиқаётган студент йигит-қизларнинг шўх, қувноқ овозлари бўлди.* М. Худойқулов, Интилганга толе ёр. *Сенга тўй совғаси, гуллар кўтариб, Гурас-гурас келар дўстинг, тенгқуринг.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

ГУРВАК Эртапишар қовуннинг бир нави. *Хоразм қовунлари жуда ширин бўлади: кўк новвоти, гурвак, ширинпечак..* Ж. Шарипов, Хоразм.

ГУРД [*ф.* گرد — паҳлавон] Шижоатли, баҳодир. *Фарҳод, Фарҳод, паҳлавону гурд, Ўз исмига муносиб бўлур.* М. Али, Боқий дунё.

ГУРДАЛИК Бақувват, кучли. *Қиз ҳақиқатан ҳам соғлом, гурдалик, кўркамгина эди.* Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота. *Ғанишер гурдалик, андак бўйи паст, Чайир, полвон, дадил, ҳар ишга чапдаст.* Ҳабибий.

ГУРЖИ *с. т. айн.* **грузин**.

ГУРЗИ [*ф.* گرز — чўқмоқ, тўқмоқ] **1** *тар.* Тўқмоқ шаклидаги ҳарбий қурол; шашпар. *Шерзод ўрнидан туриб, шернинг бошига яна бир гурзи урди.* «Эртаклар». *Уста Турдиали нимадир демоқчи эди, бошига гурзи тушиб, яна тариқдай сочилди.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

2 Катта оғир тўқмоқ. *Ғуломжоннинг гурзиси асов тош устига даҳшат билан урилганда, бутун тоғ титрар, унгур ичи гумбурлаб кетар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ГУРИЛЛАМОҚ 1 «Гур» этган овоз чиқармоқ. *Болалар гуриллаб, уларнинг олдига келиб, қийқириб муҳокама қила бошладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳамма гуриллаб кулди. Бўтабой қип-қизарганича, илжайиб бош чайқар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Катта ернинг охиридаги тош йўлдан юк машинаси гуриллаб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Равнақ топмоқ, барқ уриб ривожланмоқ, тараққий этмоқ. *Фан ва маданият гуриллаб кетди. Иш гуриллади.* ▬ [*Жондор*] *Нари борса, шу икки йил мобайнида гуриллаган бойликка эга бўлди, йирик ғалла савдоси билан машғул бўлгани учун, «вагончи» деб аталди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Савдо гуриллаган.. Ҳар куни улфатчилик, базм.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

ГУРКИРАМОҚ 1 Барқ уриб ўсмоқ, ривож олмоқ (кўкат, ўсимлик ҳақида). *Баҳори буғдойнинг гуркираган пайти.* ▬ *Парвариш этилган ғўзалар она сутига мириққан боладек гуркираб ўсарди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус. *Кичкинагина ерда анвойи мевалар гуркираб яшнаб туради.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Гуллаб-яшнамоқ, тараққий этмоқ. *Тилак бахш айласа қалбларга қанот, Унга парвоз берган билакдир ўктам, Шулар бирлигида гуркирар ҳаёт, Шулар бирлигида яшарар олам.* Э. Воҳидов, Чароғбон.

3 *кўчма* Ҳамма ёқни тутмоқ, тарқамоқ, анқимоқ (ҳид ҳақида). *Қамбар бирдан қаттиқ кулиб, Йўлчининг ёнига ёнбошлади. Оғзидан мусаллас ҳиди гуркирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қизиган тупроқнинг майин иси гуркиради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ГУРПАКЛАШМОҚ *айн.* **гуппаклашмоқ**. *Болалар уйни бошларига кўтариб гурпаклашарди.* ▬ *Чумчуқлар худди оёғи куяётгандай бетоқат типирчилар, ушоқ талашиб гурпаклашарди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ГУРРА *айн.* **гур.** *Алижоннинг икки оёғи осмонда чархпалак бўлиб, ерга тушди. Ҳатто ер чангиб кетди. Даврада гурра қийқириқ кўтарилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Йигит-қизлар раиснинг машинаси кўриниши билан гурра қўзғалишди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ГУРРОС-ГУРРОС *айн.* **гурас-гурас.** *Кеча йиғин бўлди Чорсуда, Келаверди эл гуррос-гуррос.* М.Али, Боқий дунё. *Сайилга гуррос-гуррос одамлар оқиб кела бошлади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ГУРС *тақл. с.* Зарб билан уриш, урилиш натижасида чиқадиган бўғиқ овоз. *Оғилхона тарафда бир ниманинг гурс этиб ерга йиқилиб, хириллай бошлагани эшитилди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Аллақайда кўтарма краннинг чийиллагани, сўнг гурс этиб тўхтагани эшитилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Юраги гурс-гурс урмоқ *айн.* **юраги гуп-гуп урмоқ** *қ.* **гуп-гуп.** *Шукуржоннинг юраги гурс-гурс ура бошлади.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Шербек ўз овозидан ўзи қўрқиб кетди: юраги обжувоздек гурс-гурс урарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ГУРСИЛЛАМОҚ «Гурс-гурс» овоз чиқармоқ. *Нимадир гурсиллаб ерга тушди, нимадир синди. Уйнинг эшиги шарақлаб очилди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Шу пайт даҳлизда гурсиллаган товуш эшитилди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Юраги гурсиллаб урмоқ. *айн.* **юраги гуп-гуп урмоқ**. *қ.* **гуп-гуп**. *Алимардон кўпдан ўйлаб юрган орзуси чиндан ҳам рўёбга чиқаётганидан қувониб, юраги гурсиллаб уриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ГУРСКЕТДИ Пичоқ тегиши билан гурсиллаб ёриладиган бир нав қовун номи. *Мадаминхўжа дастурхон солди, нон ушатди, кейин каттакон бир гурскетдини келтириб, пичоқ тортган эди, қовун қарс этиб ёрилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ГУРУНГ 1 Қизғин суҳбат, гап; баҳс. *Мушоира – шеър базми, шоирлар гурунги, ширинсуханлар суҳбати.* А. Юсупов, Мушоира. *Гурунг қизигандан қизиди. Хотинлар дардлашиб, қувнашдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ўз ғув-ғуви билан гузарни тўлдирган одамлар гурунги ҳам бир зумда тинди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мамадали аста бошини кўтариб, уй ичида бўлаётган гурунгга қулоқ солди.* А. Раҳмат, Мардлар марди.

2 *шв. қ.* **гап 2.**

Чиғатой гурунги *тар.* Ўзбек маърифатпарварларининг XX асрнинг 20-йилларида Фитрат раҳбарлигида вужудга келган адабий-бадиий ва илмий ташкилоти.

ГУРУНГЛАШМОҚ Қизғин суҳбатлашмоқ, суҳбатлашиб ўтирмоқ. *Қуёшга терс бир ҳужрада тўрт киши ғуж бўлиб, одатдагича гурунглашиб ўтиришар эди.* Ойбек, Навоий. *Тўда-тўда эркаклар гурунглашади.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ГУРУ(Н)Ч [*ф.* گرنج / برنج – гуруч] Шолидан оқлаб олинадиган дон маҳсулоти; ошлик дон. *Гуруч заводи.* ▬ *Лаълихон соат бешни мўлжаллаб, ошнинг гуручини солди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит. *Аҳмад гуручни икки марта ағдариб, ошни дамлаб қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Гуруч орасида курмак бўлмоқ Бегона бўлиб ажралиб турмоқ. *Ёрмат тарвузини тугатиб, тўсатдан таклиф қилди: -Борасизми? Ростини айтсам, учиб кетгим келаяпти. -Гуруч орасида курмак бўламизми? – эътироз қилди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

ГУРУҲ [*ф.* گروه – одамлар тўдаси; оломон] **1** Бир тўп одам, тўда. *Жангчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, қишлоқ оралаб кетдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бир гуруҳ эски танишларим билан суҳбат қурдим.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

Қора гуруҳлар Ёвуз ниятли кишилар тўпи; реакцион кучлар тўдаси. *Шундай қилиб, хон бошчилигидаги қора гуруҳлар маърифатпарвар Исломхўжадан ўч олдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Мақсад, маслак, фаолият ва ш. к. лар умумийлиги асосида шаклланган расмий ёки норасмий жамоа. *Текширувчилар гуруҳи. Илмий гуруҳ.*

3 Умумий белги, хусусиятга эга бўлган бир турдаги нарса, ҳодисалар мажмуи, туркуми. *Юлдузлар гуруҳи. Сутэмизувчилар гуруҳи.*

4 Дарс, машғулот ўтказиш мақсадида бирлаштирилган кишилар, талабалар бўлинмаси, тўпи. *Ҳуқуқий билимларни ўрганувчилар гуруҳи. Биринчи курснинг араб тилида таҳсил олувчи талабалар гуруҳи.*

5 Табақа, тоифа; даража. *Иккинчи гуруҳ ногирони.*

ГУРУҲБОЗ Гуруҳбозлик, тарафкашлик қилиб юрадиган шахс. *-Абдурасулни қоралаб гапирасан, гуруҳбоз дейсан. Эшитдингми, гапдон? — деди Тожибой.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГУРУҲБОЗЛИК Бир гуруҳ кишиларнинг ўз манфаатлари йўлида жамоада қарама-қарши гуруҳлар уюштиришга қаратилган ҳаракати; тўдабозлик. *Ғийбатчилик, фирибгарлик, гуруҳбозлик ва туҳматчилик, афсуски, ҳали ҳам бизнинг орамизда бор.* Газетадан.

ГУРУҲЛАМОҚ Бирор белгиси, тури, хили ва бошқа хусусиятларига қараб гуруҳларга, қисмларга бўлмоқ.

ГУСАР [*венгр.* huszar] Чор Россиясида ва айрим Европа мамлакатларида: енгил қуролланган отлиқ аскар.

ГУСЕНИЦА [*р.* гусеница — капалак қурти] *тех.* Трактор, танк каби машиналарнинг ғилдираклари устига ўралган кенг, узун занжир. *Иккинчи гранатани Аҳмедов гусеницани мўлжаллаб улоқтирди-да, ўзини тошдай ерга ташлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Танкнинг гусеницаси мажақланиб кетиб, қимирламай қолди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ГУСЛИ Русларнинг чангга ўхшаш торли тирнама мусиқа асбоби.

ГУСТОХ [*ф.* گستاخ — беадаб; дадил, қўрқмас] *кт.* Одобсиз, беадаб, беандиша; сурбет; бетакаллуф. *Густох одам.* ▬ *-Аяжон, биз густох қўшниларингизни кечиринг! — дея лабларига энган кўз ёшларини ялаб, ув тортди аёл.* Н. Қиличев. Устун.

ГУСТОХЛИК Одобсизлик, беадаблик, андишасизлик; сурбетлик; бетакаллуфлик. *Қосимбек қўлини кўксига қўйиб бош эгди: -Қулингизнинг густохлигини афв этинг, бегим, мен амирзодамнинг ижозатлари билан дилимда борини сўзладим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ГУСУБУРИДА [*ф.* گیسوبریده — сўзма-сўз: сочи қирқилган; уятсиз аёл] Сочи қирқилган. *Шоирамиз Маҳвашхоним ўзбек адабиёти тарихи учун қилган бу азамат хизмати эвазига.. Наманган диндорлари томонидан сочи қирқилди — гусубурида қилинди.* Газетадан.

ГУСУР-ГУСУР *айн.* **гурс-гурс**. *Бир оздан кейин кўча тарафдан гусур-гусур қилиб ўтган бир тўда от оёқларининг товуши келди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

ГУТАЛИН [*лот.* gutta — томчи ёки *нем.* gut — яхши] Этик, ботинка ва ш. к. ни ялтиратадиган қорамой. *Ботинкани гуталин билан мойламоқ.*

ГУТТАПЕРЧА [*ингл.* guttapercha < *малайяча* getah — қорамой + pertja — дарахт] Баъзи ўсимликларнинг ширасидан тайёрланадиган, каучукка ўхшаш юмшоқ эластик модда (тиббиёт ва техникада қўлланади).

ГУФТУГЎ [*ф.* گفت‌وگو / گفتگو — суҳбатлашиш, суҳбат; ўзаро низо] *эск. кт.* Гап-сўзлар; суҳбат. *Мен, соддадил, бундай гуфтугўларга ишониб, Мирзо Ёдгор хизматига кирдим.* Ойбек, Навоий. *Зиндон атрофида бўлаётган гуфтугўдан ичкаридаги кишанланганлар, қамаб қўйилганлар ҳам огоҳ бўлди.* Мирмуҳсин, Тундаги чақмоқлар.

ГУШНА [*ф.* گشنه < گرسنه — оч; оч қолган] Очкўз, кўзи оч. *-Картабозларнинг гушнаси шу-да, — деб бошқа биров жавоб берди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Эртасига кечқурун озурдадил Муҳаммад Шариф гушналар олдига борди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ГУҲАР [*ф.* گوهر — жавоҳир] *эск. кт. айн.* **гавҳар**. [*Жомий:*] *Гуҳардур ҳар сўзи, ҳар ҳарфи оташ.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бўлмагай инсон азиз, яхши ҳунар қилмаса Ёки ўқиб, илм ила ўзни гуҳар қилмаса.* Ҳабибий.

ГЎДАК [*ф.* کودک — ёш бола, чақалоқ] **1** Эмадиган, кўкракдан ажратилмаган, одатда бир ёшгача бўлган бола; чақалоқ. *Оилада туғилса гўдак, Унга суйиб қўярлар исм.* А. Орипов. *Эсли болалар ҳам кўринмайди. Гўдаклар эса бешикда, дарахтлар орасидаги беланчакларда ухлаб ётишади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Вояга етмаган, она сути оғзидан кетмаган бола, ёш бола. *Мусулмонқул.. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни хон кўтариб, эл елкасига минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўқитувчи ёлғиз билим бермайди. У гўдакни одам қилади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *кўчма* Етарли турмуш тажрибасига эга бўлмаган, хом, ғўр одам. *Баринг гўдак, ҳали нодон боласан, Ҳар иш қилсанг ҳам, битмаган, чаласан.* «Равшан». *Дилдор Аъзамжонни кўрди-ю, Низомжон кўзига бир ёш бола, гўдак бўлиб кўринди-қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ГЎДАКЛАРЧА Гўдакларга, болаларга ўхшаб, ёш болалардек, болаларча. *Гўдакларча иш тутмоқ. Гўдакларча аразламоқ.*

ГЎДАКЛИК 1 Гўдак ҳолати, гўдак ёши; чақалоқлик, жуда ёшлик пайти. *Биз сизларнинг тарбиянгизда гўдакликдан вояга етдик* [*деди Элмурод*] П. Турсун, Ўқитувчи. *У* [*йигит*].. *гўдаклик йилларининг унутиб бўлмас хотираларига бой бўлган адир этаклари, сой бўйлари, сертупроқ кўчалар оғушида маст бўлиб борар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *кўчма* Гўдакларга, ёш болаларга хос иш, хатти-ҳаракат, қилиқ. *Гўдаклик қилмоқ.*

ГЎЁ I [*ф.* گویا — гапирувчи, нотиқ] *эск. поэт.* Айтувчи, гапирувчи.

Булбули гўё 1) жуда яхши сайрайдиган ва одамдек гапира оладиган булбул (эртакларда); 2) яхши ва бийрон гапирадиган одам ҳақида. *Сизлар ҳозир бамисоли булбули гўёсиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГЎЁ II [*ф.* گویا — худди, мисли] *эрг. боғл.* Қиёслаш, ўхшатиш маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. *Ғуломжон суюнганидан ерда юрмас, гўё осмонда учарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Тожибой кириб келди. Гўё бу ерда ҳеч ким йўқдай, ўтирганлар билан саломлашмай, кеккайиб бориб, ўз ўрнига ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГЎЁКИ [*ф.* گویاکه — худди, мисли] *айн.* **гўё** II.

ГЎЖА Ўғир (кели)да туйиб оқланган жўхори (оқ жўхори)дан тайёрланган суюқ овқат. *Хотинлар уч-тўрт жойга давра бўлиб ўтиришиб, гўжа ичишарди.* С. Зуннунова, Олов. *Қулмурод қозондаги гўжа ошига икки коса қатиқ қўшди.* С. Айний, Қуллар.

ГЎЗАЛ 1 Жуда ҳам чиройли, ҳусндор, хушрўй. *Гўзал қиз.* ▬ *Гулсум унинг* [*Элмуроднинг*] *хаёлида бу ердаги гўзалларнинг гўзали бўлиб тура берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўттиз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотин ҳарам ходималаридан Гулшанбону эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Киши кўзини қувонтирадиган, кишини мафтун этадиган, завқлантирадиган. *Гўзал табиат бағрида дам олмоқ. Гўзал хулқли инсон.*

3 Завқ-шавққа бой, серзавқ, унутилмас (давр, вақт ҳақида). *У қорли, совуқ кун Йўлчи учун умрининг энг мазмунли, энг рангли, энг гўзал куни эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Гўзал (хотин-қизлар исми).

Гўзал адабиёт *эск.* Бадиий адабиёт. **Гўзал санъат** *эск.* Бадиий санъат.

ГЎЗАЛЛАШМОҚ 1 Чиройи очилиб, тобора гўзал бўлмоқ. *Нодира кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда.*

2 *кўчма* Тобора кўркамлашмоқ, обод бўлмоқ. *Тошкент кундан-кун гўзаллашмоқда.*

ГЎЗАЛЛИК 1 Чирой, ҳусн. *У* [*Гулнор*] *букун шод, баҳор унинг.. гўзаллигига гўзаллик қўшган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *флс.* Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ туйғулари уйғотувчи хусусиятларини ифодаловчи эстетик тушунча.

ГЎЛ [*ф.* گول — содда; нодон, аҳмоқ] Ҳар нарсага ишонаверадиган; содда, лақма. *Гўл одам.* ▬ *Аҳмад лўппи, қип-қизил бошарасидан гўл кўринар, аммо тўғри сўз, дангалчи бола.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Инспектор янги бошлиқнинг жуда содда, тўғрироғи, гўл бир кимса эканига қаноат ҳосил қилди.* Н. Аминов, Суварак.

ГЎЛАЙМОҚ *шв.* Бақрайиб қолмоқ, анграйиб қолмоқ. *-Эшик қия очилиб, қизнинг ярим юзи кўринди. Нима қиларимни билмай, гўлайиб қолибман, — деди Комилжон.* У. Назаров, Биринчи учрашув.

ГЎЛАХ [*ф.* گولخ — гулхан; ҳаммомнинг ўтхонаси] **1** Ҳаммомнинг ўт ёқиладиган жойи, ўчоғи; гўлаххона. *Шу вақтда Регистон яқинидаги.. ҳаммом гўлахидан тўрт нафар қиморбоз қўлларида икки замбар билан чиқиб келдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 Ҳаммомга ўт ёқувчи киши; гўлахи. *Маълумот сўрамайдиган турли ишларда ишладим: қоровул бўлдим, гўлах бўлдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

Гўлахдан чиққан *эск.* 1) гўлаххонада ётган. -*Ўзиям гўлахдан чиққанга ўхшайди-я, яғир бўлиб кетибди, бола бечора, — деди Меҳриниса Маҳкам акага.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон; 2) паст табақадан чиққан. *«Гўлахдан чиққан теги пастни бошингизга урасизми, олсангиз — бирор хонзодани олинг», деб минг марта айтдим, қулоқ солмадингиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Ўттиз икки гўлахга ўт қўйган** *салб.* Кўп иш кўрган, ҳар балони бошдан кечирган, шайтон киши ҳақида. *Ниёзохуннинг дилига ғулғула тушди. Бойвачча эмиш.. Бу ўттиз икки гўлахга ўт қўйган каллакесар ўғри-ку!* К. Яшин, Ҳамза.

ГЎЛАХИ *айн.* **гўлах 2.**

ГЎЛАХХОНА *айн.* **гўлах 1.** *Совуқ кунда бошларини қаёққа уришни билмай, охири бир ҳаммомнинг гўлаххонасини топдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ГЎЛЛИК Лақмалик, ҳар нарсага ишонаверишлик *Гўллик қилмоқ.* ▬ *Тағин ўша-ўша гўллигингга бориб, ҳамма сир-асроррингни валдираб қўйдингми? — деди ичида, ўзидан ранжиб Отақўзи.* О. Ёқубов, Диёнат.

ГЎЛОС Тўқ жигарранг. *Гўлос ипак. Гўлос духоба.* ▬ *Чевар ҳам турлугини Ўрнига қўёлмабдир: Нуқул оқ, барикарам, Пистоқи, гўлос, зангор.* Ғ. Ғулом.

ГЎММА *шв.* Ичига гўшт ёки баъзи сабзавотлар солиниб, ёғда пишириладиган сомсанинг бир тури. *Оллоқулибой кўк чойни ичиб, яна гўммани тушира кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ГЎНГ 1 Уй ҳайвонлари ва паррандалар ахлати. *Худойқул одамнинг қўлидан келадиган ҳар қандай ишга қобил эди: от-молга қарайди, гўнг курайди, жоди билан пичанпоя қирқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шу ҳайвонларнинг ахлатидан иборат ўғит. *Ерга гўнг солмоқ.*

ГЎНГЛАМОҚ Ерга гўнг солмоқ, ерни ўғитламоқ, *Ерни гўнглаб ҳайдадик, чигит тикдик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ГЎНГХОНА Гўнг тўкиладиган ва сақланадиган махсус жой; катта ўра, чоҳ.

ГЎНГҚАРҒА Қарғасимонлар оиласига мансуб, Ўзбекистонда ўтроқ яшайдиган қуш; қарға тури.

ГЎНИЯ [*юн.* gonia — бурчак] *махс.* Бурчакнинг тўғрилигини текшириш учун ишлатиладиган чизмакашлик ёки дурадгорлик асбоби.

ГЎПСАНГИ [*ф.* کوب — зарб (а) + سنگ — тош] **1** *шв.* Катта тош ҳовонча.

2 *кўчма* Қўпол, бесўнақай одам ҳақида.

ГЎР [*ф.* گور — қабр] **1** Ўликни кўмиш учун қазилган чуқур. *Бировга гўр қазисанг, ўзинг йиқиласан.* Мақол. *Гўрингдан тутун чиққур! Гўрингда чиригур! (қарғ.)* ▬ *Тўпа холанинг ёнида очиқ гўр ғорга ўхшаб, аллақандай ваҳима таратиб, қорайиб турибди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Ўлик кўмилган жой ва шу ерда тикланган тепача; қабр; қабр устига қурилган мақбара. *Қаерга борасиз, Қулбобо.. ажалингиз етса, отамизнинг гўри ёнига сиз учун катта бир сағана ясаб, сизни элтиб кўмамиз.* С. Айний, Қуллар.

Гўр азоби Жуда ҳам қийин, машаққатли иш ҳақида. *Йўл азоби — гўр азоби.* Мақол. **Гўр азобида** Азоб ва машаққат билан, катта қийинчиликлар билан. **Гўрдами** *айн.* **гўрними**. **Гўрига ғишт қаламоқ** Бировни орқаворатдан сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ, қораламок. **Гўрними** Қаёқда дейсиз, ҳеч-да. *Бу сафар силаб-сийпаб ўтибдими? — Гўрними?* **Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда** *ёки* **йўлидан гўри яқин** Ўлай деб турибди, ўлими яқин (ўлими яқин бўлиб қолган қари одам ҳақида). *Бир оёғим тўрда-ю, бир оёғим гўрда, ажал деган рўдапо эшикнинг тирқишидан мўралаб турибди-ю, қолган беш кунимга шукур қилмай, яна орзу-ҳавас қилайми, айланай овсин!* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ота гўри қозихонами?** Арзимаган ишга, нарсага ҳам шунча ғалва-жанжалми? [*Ҳасан:*] *Турмасанг турмассан. Шунга ҳам ота гўри қозихонами! Мен Зуҳра билан нариги уйга ўтаман.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. **[Ўз] гўрига тортмоқ** Бировни ўз жиноятига шерик қилмоқ; оёғидан тортмоқ. *У, Олахўжани ўз гўрига тортмай, ўша ёқда йўқ бўлиб кетса кошки эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қай(си) гўрга** *с. т.* Қаёққа, қаерга. -*Қайси гўрга йўқолдинг, баччағар! — ўшқирди Бобоқулга қараб. — Ўтни ёқ. Бир пиёладан чой ичиб, йўлга тушайлик!* С. Анорбоев, Оқсой. **Қай(си) гўрда** *с. т.* Қаерда, қаёқда; қаердадир. *Аҳмаджон ака! Қайси гўрда юрибсиз? Телефон қилмаган жойим қолмади.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Қай(си) гўрдан** Қаердан, қаёқдан; қаердандир. [*Рокия:*] *Турғунбой — Фарҳоду, Муҳаббат — Ширин эди. Қайси гўрдан бир хат келди-ю, ораларига совуқлик тушди-қолди.* Н. Сафаров, Ҳаёт

мактаби. **Ҳаммаси (***ёки* **бари) бир гўр** Ҳаммаси ҳам бир (хил), бирдек, фарқи йўқ. *-Кўп ўтмай, у мени яна бошқа жойга топширди. Бу бой даргоҳида ўтган ҳаётим эслашга арзийдими? Йўқ. Ҳаммаси бир гўр эди, — деди Ҳамроқул.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Ҳар кимнинг гўри бошқа** Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, ҳар ким ўз билганини қилади. *Каромат ундоқ бўлиб кетди, индамадим; майли, бунисига ҳам бир нима демайман, ҳар кимнинг гўри бошқа, менга нима.* А. Қаҳҳор, Қизлар.

ГЎРГА *мод. с.* **1** «Яхши», «ишқилиб» маъноларида қўлланади. *У (йигит) илкис атрофга назар ташлаб, юрагини бирдан ваҳм босди: не бўронда қолиб кетмаса гўрга эди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Кесим таркибида келиб, розилик, истак ва ш. к. маъноларни ифодалайди. *Фойдасини бермаса ҳам гўрга, саккиз минг сўмни қайтарсин.* А. Қаҳҳор, Сароб. *-Қариганда мени бир балога гирифтор этмасанг гўрга эди, — дея қичқирди* [*Зоҳир шайх*]. С. Сиёев, Ёруғлик.

ГЎРИСТОН [*ф.* گورستان — қабристон] Ўлик кўмиладиган махсус жой; мозор, қабристон. *Онахон қизининг яланғоёқ эканини ҳам унутиб, тиканак босиб кетган гўристон устидан тўғри темир йўл устахонаси томонга йўл олди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ГЎРИСТОНЛИК *фольк.* Гўристон. *Кўклам вақти эди, жума куни қариндошимизнинг тўйига бориб, қайтишда гўристонлик ичидан ўтиб кетаётганимда, бир бош суякка кўзим тушди.* «Олтин олма».

ГЎРКОВ [гўр + *ф.* کاو — ковловчи] **1** Қабристонда гўр қазувчи киши. *Қоратой чолни уйда қолдириб, Ўроз билан бирга мозорга, гўрковга жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Йўқ қилувчи; йўқ қилиб, ўрнини олувчи. *Қози ҳам, Асад қори ҳам жадид мактабларига қарши эди, улар бу хил мактабларга диний мактабларнинг гўркови деб қарар эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ГЎРКОВЧИ *шв.* Гўрков. [*Гулжон Мастурага*:] *Айтганингиздек, жониворнинг гўрковчиси, нафснинг терговчиси бўладими, ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин-да!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ГЎРСЎХТА [гўр + *ф.* سوخته — ёнган, куйган] *қарғ.* Гўринг(да) куйгур. *-Ахир, пушаймон қилипти-да, гўрсўхта, — деди Йўлчи, ҳайратдан ёқасини ушлаб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бозоров деган гўрсўхта Адолатга кўз олайтириб юрибди.* И. Раҳим Чин муҳаббат.

ГЎРХОНА [гўр + хона] Мақбара тагидаги ўлик кўмишга мўлжалланган махсус хона, ертўла.

ГЎСНОҒОРА [*ф.* کوس — катта ноғора + *а.* نقاره — кичик ноғора] Катта ноғора. *Жар солди гўсноғора, Сафга тизилди лашкар, Ёв бўлгуси садпора, Омин, оллоҳу акбар.* А. Шер, Куз ҳилоли. *Муборак бу тонгда овозга эга Ўзбек халқининг ҳам гўсноғораси.* Ғ. Ғулом.

ГЎСФАНД [*ф.* گوسفند — қўй]: **гўсфанд йили** *айн.* **қўй йили** *қ.* **қўй 2.**

ГЎСХЎР [*ф.* کسخل — тентак, анқов] Бировга ем бўлувчи лақма, гўл одам. *-Бўлди, хўжайин! Бугундан бошлаб сизга текинга ишлайдиган гўсхўр йўқ!! — деди Муҳаммадкарим.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Кимдир гап қотди: -Хотинини колхоз раисига қўшиб қўядиган гўсхўр йўқ.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ГЎШ I [*ф.* گوش — қулоқ] Эшитиш аъзоси, қулоқ. *Бу сўзни гўши бор одам эшитсун, Ўзида ҳуши бор одам эшитсун.* Фурқат.

ГЎШ II *с.т. фольк.* Гўшт. *Ўлганларнинг қузғун қўнар гўшига, Чўқ савдолар солай ўзим бошига.* «Юсуф ва Аҳмад».

ГЎША [*ф.* گوشه — бурчак, овлоқ жой] **1** Одамлар назаридан узоқ ер, овлоқ жой; бурчак. *Аҳмад Ҳусайн бир кун, пешиндан сўнг, Искандарони қуюқ бир дарахтзор, тинч, сокин бир гўшада кутиб ўтирди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Тураржой; бошпана. *У* [*Матқовул*].. *отасидан қолган тўрт таноб ерда йигитлик терларини тўкиб ўзига.. кичик бир гўша қурмоқчи эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Умуман жой. *Жаннат гўшасими бу сўлим соҳил, Кўз узиб бўлмайди ой жамолидан?* Миртемир.

ГЎШАК [*ф.* گوشک **—** қулоқча; қулоқнинг юмшоқ жойи**]** Телефон трубкаси. *Асадбек мовий телефон гўшагини кўтарди.* Т. Малик, Шайтанат.

ГЎШАНГА *этн.* Никоҳ тўйининг биринчи кечаси куёв билан келиннинг бошқалардан холи ўтириши ва тунаши учун уй бурчагига тортилган оқ чодир; чимилдиқ. *Гўшангада кўзлар илҳақ бўлмоқда, Куёв бола*

талпинади ўшанга. Миртемир. *Урф-одатга биноан, улар* [*Бобур билан Ойша бегим*] *бир-бирларини тўйдан сўнг гўшангада биринчи марта кўрдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ГЎШАНИШИН [*ф.* گوشه − бурчак + نشین − ўтирувчи; яшовчи] *кт.* Одамлардан холи, танҳо ҳаёт кечирадиган, одамга қўшилмайдиган, жамиятдан ажралиб қолган киши. *Қулмуҳаммаднинг гўшанишин бўлиб, тўшакда ётиши қулаган минорага ўхшарди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ГЎШАНИШИНЛИК *кт.* Одамга қўшилмаслик, аралашмаслик; танҳоликда кечириладиган ҳаёт. *Ҳатто баъзи кунлар ҳужрасидан ташқарига чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтганда, кундан-кунга гўшанишинликка яқинлашиб борар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ГЎШТ [*ф.* گوشت − эт] **1** Тирик организмнинг мушак тўқималари; эт. *Томирларда қон қайнаб, кўзларда ўт чақнарди, мушак гўштлари пўлатдай қотиб кетган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Сўйилган жонивор танасининг овқат сифатида истеъмол қилинадиган қисми; эт. *Қўй гўшти. Товуқ гўшти. Қовурилган гўшт.* ▬ *Аҳмад Танбал чинни лагандаги гўштга энди қўл узатганда, эшик секин очилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Баъзи бир меваларнинг ейиладиган қисми, эти.

Бир-бирининг гўштини емоқ Доим бир-бири билан уришмоқ, жиққамушт бўлмоқ. **Бир қоп гўшт** Қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, ландавур одам ҳақида. *Рўзибой деганимиз бир қоп гўшт бўлди-қолди.* «Гулдаста». **Гўштингни ейман** Дўқ, пўписа маъносидаги ибора. *Еиман дейди гўш(т)ини, Қайрайди кал тишини.* «Равшан». **Гўштини бир бурдадан қилмоқ** Роса урмоқ, калтакламоқ, саваламоқ. -*Кўп енгиллик қилиб ҳингиллай берманглар! Отанг кўриб қолгудек бўлса, сени ҳам, мени ҳам гўштимизни бир бурдадан қилади,— деб то эшикдан чиқиб кетгунча жавраб қоладилар.* Ойдин, Бечора. **Номаъқул бузоқнинг гўштини емоқ** 1) хато қилмоқ, адашмоқ; 2) нодонлик қилмоқ. -*Номаъқул бузоқнинг гўштини бир едик-да,— дейди Берди татар.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Қип-қизил гўшт** Ҳеч вақоси йўқ, камбағал, ночор. -*Ҳол сўр, аммо ҳамённи ҳам сўр, ука! Биласан-ку аҳволимизни, қип-қизил гўштмиз, − деди Умарали.* Ойбек, Улуғ йўл.

ГЎШТГИРЛИК [*ф.* کشتی − кураш + گیر − маҳкам ушловчи, тутувчи] *эск. спрт.* Бадан тарбияси; кураш санъати. *Паҳлавон қалин лаблари билан сўзни аста ўлчаб кесиб, «гўштгирлик» илми ҳақида қизиқ маълумотлар берди.* Ойбек, Навоий.

ГЎШТДОР [гўшт + *ф.* دار − бирор нарсага эгаликни билдирувчи қўшимча] **1** Гўшти кўп, сергўшт, семиз. *Гўштдор одам.* ▬ *Зайнаб қисқа бўй, гўштдор ва оқ танли эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Сергўшт, эти қалин (баъзи мевалар ҳақида). *Гўштдор жийда. Гўштдор шафтоли.*

ГЎШТКУЙДИ Хамирга гўшт, пиёзли қийма тугиб, тандирда пишириладиган бир хил сомса. *Ошхонадан кабоб ва гўшткуйди ҳидлари анқийди.* Ойбек, Болалик.

ГЎШТЛИ 1 *айн.* **гўштдор 1,2.**

2 Ичида гўшти бор; гўшт солиб тайёрланган. *Гўштли сомса. Гўштли шўрва.*

ГЎШТСИЗ 1 Ичида гўшти йўқ; гўшт солинмаган, бегўшт. *Гўштсиз овқат.* ▬ *Йўлчи катта товоқдаги гўштсиз, қатиқсиз.. мошхўрдадан.. икки қошиққина ичди..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Гўшти, эти йўқ; ориқ, озғин. *Гўштсиз қўли билан ушламоқ.*

ГЎШТХЎР [гўшт + *ф.* خور − еювчи] Гўштни яхши кўрадиган, гўштни кўп истеъмол қиладиган. *Гўштхўр одам. Гўштхўр ҳайвонлар.*

ГЎЯНДА [*ф.* گوینده − ҳикоя қилувчи, айтувчи; нотиқ, сухандон] **1** Қадимда тўй, сайил-томоша ва шодиёналарда ҳикоя, қисса айтувчи киши.

2 Ҳофиз, ашулачи. *Шерозий йигирма беш ёшлар чамасида бўлиб, овози жаранглаган, балоғатга етган, энди мустақил гўянда бўлган пайти эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *этн.* Таъзияда йиғини бошловчи, марҳумнинг яхши хислатларини айтиб йиғловчи аёл.



-да *куч. ва сўр. юкл.* **1** Гапда таъкид, кучайтирув каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. *-Бола-да, — кампир узр сўраган бўлди.* Газетадан. *Сен ҳам юрибсан-да полвон номини олиб.* «Ёшлик».

2 Гапга сўроқ мазмунини киритади. *Сиз ҳам борган экансиз-да!?* ▬ *Сартарош бўлай дебсиз-да, а?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 “Яна”, “тағин” каби сўзлар билан келганда, уларнинг маъносига ортиқлик, кучайиш белгисини киритади. *Маданиятимизни янада ривожлантирамиз.*

4 *бркт. боғл. взф.* Бош гап билан эргаш гапни ёки гап бўлакларини боғлайди. *Алимардон унинг ёнига оғир чўкди-да, қошларини чимирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Искандаров бир неча дақиқа унга маҳлиё бўлиб турди-да, ўзини босиб олди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Эшик ғирч этиб очилди-да, рухсат сўраб Дарвешали кирди.* Ойбек, Навоий.

ДАБ *с.т. айн.* **даф** II.

Даб бўл! Йўқол! Кет! *-Кўз тегмасин. Келган балолар даб бўлсин! — деди [кампир] ва кўйлагининг ичига туфлаб ҳам қўйди.* Ойдин, Ширин келди.

ДАББА I [*а.* دبّه — секин ҳаракатланиш, судралиш; кириб бориш] **1** *от* Ички аъзоларнинг ўзи жойлашиб турган бўшлиқдан шу бўшлиқ девори орқали ташқарига туртиб чиқиши ёки пастга — мояқдонга тушишидан иборат касаллик; чурра. *Қорин даббаси.*

2 *сфт.* Шундай касалликка чалинган, мубтало бўлган (одам ёки жонивор). *Дабба одам. Дабба от.*

3 *кўчма дағл.* Судралган, юришмай қолган иш, касод бўлган мол; дангаса ва ишёқмас одам ва ш. к. ҳақида. *Нима бало, даббамисан, ётганинг ётган. Дабба мол. Бу ҳафта бозор дабба.*

ДАББА II [*ф.* دبّه — чарм халтача] Жувозкашларнинг чармдан ёки металлдан ясалган ва ёғ, умуман суюқлик қуйиб қўядиган идиши.

ДАБДАБА [*а.* دبدبه — дукур-дукур; баланд овоз; тантана] **1** Ҳаддан ташқари тантана, ларзага келтирувчи, ваҳимага соладиган хатти-ҳаракат, шов-шув. *Илгарилашган сари базмнинг бутун дабдабаси аниқроқ сезилиб, Ёрматни безовта қила бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Подшо дабдаба билан бозорга борибди.* «Зумрад ва Қиммат».

2 Манманлик, ғурур билан тўлиб тошган хатти-ҳаракат; қуруқ ваҳима. *Ҳусайн Бойқаро.. қадамларини тетик босиб, дабдаба билан чодирдан чиқди.* Ойбек, Навоий. *Бир танноз қиз зўр дабдаба билан идорага кириб келди.* «Муштум». *Дадабойнинг баланд бўлиб дабдабаси, Охир чиқди дабдабасин дабдаласи.* Т. Йўлдош, Аттанг.

3 Ҳаддан ортиқ улуғворлик, ҳашамат; савлат, маҳобат. *Улуғбек мадрасасининг дабдабаси Регистонга бошқача тус бериб турибди.* ▬ *Қачонлардир дабдаба билан қурилган икки табақали нақшинкор дарвозадан ичкарига киришди.* «Ёшлик». *..унинг [Шайбонийхоннинг] салласига қадалган дуру гавҳарлар, тўнига тикилган олтину марваридлар дабдаба билан ялтираб кўзга ташланади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Дабдаба сурмоқ Давр-даврон сурмоқ, шаън-шавкат билан ҳаёт кечирмоқ. *У ҳам хонлик қилиб, подшоҳлик дабдабасини суриб..*

неча ой, неча йилдан кейин ўлиб кетди. “Муродхон”.

ДАБДАБАБОЗ [дабдаба + *ф.* باز — ўйновчи] Меъёридан ортиқ дабдабали ҳаракат, маросимларни яхши кўрадиган, маъносиз, қуруқ дабдабаларга берилган шахс. *Дабдабабоз одам.* ▬ *Тўлан сафсатабоз, ёлғончи, дабдабабоз, кибрли.* Газетадан.

ДАБДАБАБОЗЛИК 1 Дабдабага, қуруқ ҳашамга тўлиқ бўлган хатти-ҳаракат. *..ўз-ўзини мақташ ва дабдабабозлик вазиятига тоқат қилиб бўлмайди.* Газетадан. *Оилавий тантаналар, маросимларнинг яна бир неча хиллари борки, уларда ҳам.. дабдабабозлик каби эски иллатлар.. мавжуд.* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар.

2 Амалий иш ўрнига қуруқ ваъдалар, баландпарвоз гаплар билан овора бўлиш. *Йиғилишларда қабул қилинаётган қарорлар кўпинча конкрет бўлмасдан, дабдабабозлик характерида эканлиги катта камчиликдир.* Газетадан.

ДАБДАБАДОР [дабдаба + *ф.* دار — эга бўлувчи] **1** Серҳашам, ҳашамдор; дабдабали. *Низомулмулк ҳеч қандай жиноятнинг олдидан ўтмагандек, пинагини бузмай, аввалгидек кеккайиб, дабдабадор яшар эди.* Ойбек, Навоий.

2 Савлатли, улуғвор, маҳобатли. *Дабдабадор уйни колхоз ҳисобидан ремонт қилдиргани ҳам айтилди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

ДАБДАБАЛИ 1 Ваҳима туғдирадиган, ларзага келтирадиган. [*Навоий:*] *Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақмоқ бўлишдан кўра ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзалдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Ҳаддан ортиқ ҳашамга берилган ёки безалган; серҳашам, маҳобатли. *Дабдабали иморат. Дабдабали қиёфа.* ▬ *Арава бир лаҳзада ўзининг дабдабали кўринишини йўқотди.* К. Яшин, Ҳамза. *Марҳумлар хотирасини ҳурматлаш уларнинг қабрларига дабдабали ёдгорликлар ўрнатиш, ҳар хил битиклар ёзиш билан ўлчанмайди.* Газетадан. *Усмонбек Ўратепа қозисига қарашли дабдабали уйда дарча ёнида ёлғиз ўтириб, Туркистоннинг ҳарбий харитасини кўздан кечирмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Қуруқ, баландпарвоз гаплар билан тўлиб-тошган; ортиқ даражада безатилган, бўрттирилган. *Дабдабали ваъдалар. Дабдабали гаплар.* ▬ *Мақолага жуда дабдабали сарлавҳа қўйилган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Интизомни мустаҳкамлаш учун курашда дабдабали сўзлар эмас, балки амалий иш керак.* Газетадан. *Фильмда дабдабали сўзлар, баландпарвоз иборалар йўқ, томошабиннинг ўзи воқеалардан хулоса чиқариб олади.* Газетадан. *Кейин Убайдуллаев уста кўрмаган рассомларни йиғиб, бир қанча дабдабали плакатлар тайёрлатди.* Газетадан.

4 Ҳаддан ортиқ тантанали, шов-шувли. *Дабдабали тўй.* ▬ *Даромадга қараб буромад деганларидек, тўй ҳам шунга қараб жуда дабдабали ўтди.* «Муштум».

ДАБДАЛА: дабдала бўлмоқ *ёки* **дабдаласи чиқмоқ** 1) парча-парча бўлмоқ, чилпарчин бўлмоқ. *Соат ерга тушиб дабдала бўлди.* ▬ *Шофёр минага дуч келиб дабдала бўлган машина яқинида жонсиз ётарди.* В. Ғофуров, Вафодор; 2) вайрон-толқон бўлмоқ, ер билан яксон бўлмоқ. *Бомбардимонлар натижасида шаҳарлар дабдала бўлган эди;* 3) йиртилиб, тўзиб кетмоқ. *Нуқул қирра тош, шағалли тоғларда этик, ботинкаларимиз йиртилиб.. дабдала бўлиб, тагчарминиң соғ жойи қолмади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Баширжон анча дадилланди. Чўнтагидаги муқоваси титилиб, дабдаласи чиқиб кетган ўша ёндафтарчани варақлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа; 4) аъзойи баданининг бутун ери қолмай шикаст емоқ. *Калтак еб дабдала бўлди.* ▬ *Мен якка, душманим эди бир гала; Белим, оёқларим бўлди дабдала.* Миртемир, Асарлар; 5) ишдан чиқмоқ, яроқсиз бўлиб қолмоқ. *Деҳқон зоти борки, ҳозир қон йиғлаб ётибди: дабдала бўлиб, кукуни чиқиб ётган ерларни кўриб, одам тугул мол-жониворларга ҳам титроқ тушяпти.* А. Мухтор, Чинор; 6) бузилмоқ, издан чиқмоқ. *Лаълихон ишдан четлатилди; асаблари дабдала бўлган Жўрақулов яна жангга кирди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар; 7) расво бўлмоқ, сири фош бўлмоқ. *Дадабойнинг баланд бўлиб дабдабаси, Охир чиқди дабдабасин дабдаласи.* «Муштум». *Гувоҳларнинг дабдаласи чиққандан кейин Ғуломжон деди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Дабдала қилмоқ** 1) бузиб ишдан чиқармоқ. *Телефон симларини дабдала қилиб ташлашган..* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси; 2) вайрон-толқон қилмоқ, ер билан яксон қилмоқ. *Германиянинг эски чегарасидаги истеҳкомлар*

ҳам туриш беролмади. Авиация осмондан дабдала қилди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ана-мана дегунча сел ҳамма ёқни дабдала қилди.* И. Мирзаев, Тўйбошилар; 3) уриб қонга бўямоқ, пачақламоқ. *Ҳа, айтгандай, агар ёмонликка олсам, ҳозир уриб, башарангизни дабдала қилар эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сиз қўй, демаганингизда, оғзибурнини дабдала қилиб, аламдан чиқай деган эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Афт-башарасини дабдала қилди.* С. Анорбоев, Оқсой; 4) руҳий азоб бермоқ, руҳан чарчатмоқ. *Кун ботса бас. Дард билан озор Қиз юрагин қилар дабдала.* О. Ҳожиева, Ҳаётга таъзим.

ДАБДУРУСТДАН *рвш.* **1** Тўсатдан, қўққисдан, бирдан, кутилмаганда. *Дабдурустдан киришга ботинолмай туриб қолдим.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Унинг дабдурустдан пўписа қилиши нафсониятимга тегди.* «Ёшлик». *Дабдурустдан айтилган гапга Норхолнинг кулгиси қистади.* «Ёшлик».

2 Дастлаб, аввал, бошда; дарров. *Ҳайдар ота уни* [*Асрорқулни*] *дабдурустдан танимади.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Аҳмад остона ҳатлаб ичкари кирди. Дабдурустдан нима иши борлигини айтолмади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Дабдурустдан гапни шундай бошласанг, чўчитиб юборасан.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДАБИР [*ф.* دبیر – мирза; котиб] *кт.* **1** Ўқитувчи, устоз. *Хоразмшоҳ очиқ юз билан дабирга мурожаат қилди.* Газетадан.

2 Мамлакат ҳукмдорининг шахсий котиби; давлатнинг расмий ҳужжатларини ёзувчи ва таҳрир қилувчи котиб, мунший. *Бу эрса, Николай вазири эди. Бутун хуфя ишда дабири эди.* С. Хондайлиқий, Навбаҳор.

ДАБЛА *шв.* Ёғ сақлашга мўлжалланган хум ёки темирдан ясалган идиш. *қ.* **дабба** II.

ДАВ I [*ф.* دیو – дев, жин; жуда катта, улкан] *шв.* Улкан, катта, бақувват (одам ва б. нарсалар ҳақида).

ДАВ II *шв.* Туҳмат, бўҳтон.

ДАВАНГИ [*ф.* دبنگ – аҳмоқ, анқов; қўпол] Бесўнақай, беўхшов, қўпол. *Гўё бу даванги куёви қолиб, ҳозир Пошша холанинг ўзини бир нима қилиб қўядигандай, шошиб ўрнидан туриб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Бошга тушганни кўз кўрар дегандек, оғзига латта тиқилган, қўллари чамбарчас боғланган даванги фашист ҳам ушоққина қиз буйруғига бўйсунишга мажбур эди.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз.

ДАВАНГИДАЙ, -дек *шв. айн.* **давангирдай.** *Курашга ишқибоз ёшлар Тўламат мўйловнинг давангидай қоматига ҳавас билан тикилишарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мундоқ қарасам, катта йўл ўртасидан билагига костюм ташлаган давангидай бир йигит келяпти.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДАВАНГИРДАЙ, -дек 1 *ижоб.* Гавдали, забардаст. *Ўн олти ёшга тўлганда, Раҳматулло давангирдай йигитга айланди.* «Шарқ юлдузи». *Эшик очилиб, чорпаҳилдан келган, давангирдай бир йигит кирди.* «Фан ва турмуш».

2 *салб.* Қомати беўхшов, қўпол; бесўнақай, суяги бузуқ. *Давангирдай йигит.* ▬ *Кексагина бир одам елкасига давангирдай бир йигитни миндирибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *-Ханжарим қонга ташна, – деди белбоғига ойболта қистирган давангирдай бир одам ҳозир бўлиб.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ашурбой ака ҳаддан ташқари дароз, сергўшт, суяклари бузуқ, давангирдай одам эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДАВАРА *шв.* Қўрқитиш, чўчитиш хатти-ҳаракати; дўқ, пўписа, дағдаға. *Давара қилмоқ.* ▬ *Мен ҳамиша ёлинуб, гоҳи оғзаки даваралар қилғонимни сўзлағонимда, ул киши кулди ва айтдиким..* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Бой отга мина туриб яна давара қилди: -Эрталаб албатта чиқ.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ДАВВОР [*а.* دوّار – даврa ясовчи] Давра ҳосил қилиб айланувчи, чархпалак. *Боши йўқ, сўнги йўқ бу чархи даввор. Коинот хаёлдай жумбоқ-да яхлит.* Миртемир, Асарлар. *Қўлимда бир қадаҳ тимқора қаҳва, Елкамда муаззам гумбази даввор.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

ДАВ-ДАСКА *шв. айн.* **дав-дастак.** *Бутун бойлигини, дав-даскасини қизилларга қўш қўллаб турган бой.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ДАВ-ДАСТАК *шв.* Бутун бор-йўғи, барча бисоти. *Қаерда истиқомат қилмай, биринчи дав-дастагим, дастурим – китоб.* М. Жўра, Ноширнома.

ДАВАЧА *шв.* Тумор.

ДАВИР [*ф.* دویر – чарм белбоғ; қайиш] *фольк.* От устига эгардан кейин ёпиладиган чочоқли зарбоф абзал; ёпинчиқ. *Бисмилло деб солди отнинг устига Чочоғи зумраддан зарли давирди.* «Муродхон». *От белига олиб*

келиб ташлади Қимматбаҳо зар чочоқли давирди. «Хушкелди». *От бориди арқираб, Давирлари ярқираб.* «Равшан».

ДАВКАР *шв. фольк.* Забардаст, девдек. *Буён келди етти навкар, Навкарнинг бари давкар.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ДАВКАШ I *шв.* Мунозарани (довлашишни) яхши кўрувчи, жанжалкаш.

ДАВКАШ II *шв.* Туҳматчи, бўҳтончи.

ДАВЛАТ I [*а.* دولت – мамлакат] Ўз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, бунга қарши турувчи кучларнинг қаршилигини синдирувчи ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлари тизимига эга бўлган мустақил мамлакат. *Ўзбекистон давлати. Темурийлар давлати. Давлат аппарати. Давлат бюджети. Давлат герби. Давлат интизоми. Давлат мулки.* ▬ *Чиндан ҳам вақтли ҳукумат давлат тепасига чиқди-ю, лекин амалда подшонинг халққа қарши сиёсатини давом эттирди.* К. Яшин, Ҳамза. *Темур томонидан тузилган давлатнинг системаси ҳам қизиқарлидир.* «Фан ва турмуш». *Давлат қуриб берсин, деб ўтирмай, ҳашар билан битириб қўяди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДАВЛАТ II [*а.* دولت – бойлик] **1** Бойлик, мол-дунё, мол-мулк. *Яхши ният – ярим давлат.* Мақол. *Давлат тугар, билим тугамас.* Мақол. ▬ *Маблағ, давлат, сармоя! Бизда ўша йўқ.* К. Яшин, Ҳамза. *Рихсибой ака давлат келадиган манбани ахтара бошлади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Одам ишлатиш хўп яхши нарса-да. Хизматкорлар ҳар куни давлатимга давлат қўшади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Аркони давлат Давлатнинг улуғлари, давлатнинг таянчлари. *Аркони давлат Чамбилда бежой кўп деб, Шиғирлатиб опкеп кийим ташлади.* «Гулнорпари». *Икки ёнида аркони давлат қуллуқ мақомида турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Давлати кўтаради** Молдунёси кўп; қурби етади. *Биз катта боймиз.. давлатимиз кўтаради.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тахти давлат** Давлат ҳукмронлиги, подшоҳлик. *Бу ерда тахти давлатинг, Кетар мендайин улфатинг..* «Эрали ва Шерали».

2 *кўчма* Маънавий бойлик; бахт, омад. *Соғлигинг – давлатинг.* Мақол. *Ҳамжиҳатлик – давлат, Ёлғизлик – кулфат.* Мақол. *Давлатинг – ота-онанг.* Мақол. ▬ *Муқаддас мозордан сенга узоқ умр, кетмас давлат, инсоф ва тавфиқ тилаганман, болам!* К. Яшин, Ҳамза. *Давлат қўнса бир чивиннинг бошига, Семурғ қушлар салом берар қошига.* «Муродхон».

3 *кўчма* (ў.-п.к. билан) Орқасида, соясида, кўмагида. *Отангнинг давлатида тезроқ тўйни қилиб, бу таранг қўғирчоқни тезроқ бағрингга босмайсанми, ландавур!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қариб, ўғил-қизларнинг давлатида еб-ичиб, кийиб, яйраб ўтирадиган пайтида..* С. Зуннунова, Олов.

4 Давлат (эркаклар ва аёллар исми).

Бошига давлат қуши қўнмоқ Толеи очилмоқ, омади келмоқ. [*Сифат буви Жамилага:*] *Айланай, қизим! Наҳотки бошингга давлат қуши қўнса-ю, уни калтак олиб, ўзинг қувласанг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Давлатингиз** (*ёки* **давлатлари**) **кўланкасида** (*ёки* **соясида**) *ёки* **сояйи давлатларида** (*ёки* **давлатингизда**) Сизнинг паноҳингизда, ҳимоянгиз, ғамхўрлигингиз остида (мулозамат юзасидан, кўпинча кириш ибораси сифатида ишлатилади). *Сиз оқпошшонинг давлати соясида юрт сўраб, умрингиз айш-ишрат, нашъу намо билан ўтяпти.* К. Яшин, Ҳамза. *-Йигитларингизнинг барчаси ҳам қуруқ қолмадими? -Давлатингиз соясида, тақсир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Худога шукур, давлатлари кўланкасида, – деб қўрбоши тавозеланди ва қўл қовуштириб, қушбегининг яқинига чўккалади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Давлатлари ёри берса** Ўзларининг мададлари билан бахтимиз чопса, омадимиз келса. *Давлатлари ёри берса, албатта, бизнинг муддао ҳам шунда!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўғрилардан биттаси тутилди, давлатлари ёри берса, қолганлари ҳам ушланур, деб ўйлайман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Давлат қуши** 1) эртакларда: валиаҳди бўлмаган хон ўлганда, хон қилиб кўтариладиган кишини аниқлаш учун учирилган қуш. *Давлат қуши келиб, Рустамзоднинг бошига қўнди.* М. Маҳмудов, Булбулигўё; 2) *кўчма* бир келиб қолган бахт, омад, толе. *Бахтинг бунчалик кулган экан.. давлат қушини қўлдан учириш куфрони неъмат, болам!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Олтмиш деган ёшингда давлат қуши бошингда.* Ҳабибий, Девон.

ДАВЛАТБОЙ *бот.* Шакли узунчоқ, туси сарғиш эртапишар, ёзги қовун нави.

ДАВЛАТБОШИ Давлатни бошқарувчи ҳукмрон; юртбоши. *Давлатбоши беклар*

келди Урганчга, Яхши ният билан келдим, подшойим. «Юсуф ва Аҳмад».

ДАВЛАТЛАРАРО Бир қанча давлат ўртасида бўлган ёки бўладиган, бир қанча давлатга тегишли. *Давлатлараро хўжалик бирлашмалари. Давлатлараро битим. Давлатлараро ихтилофлар. Давлатлараро муносабатлар.*

ДАВЛАТЛИ I **1** Ўз мустақил давлатига эга бўлган (*қ.* **давлат** I).

2 *эск.* Ҳар ишга қудрати етадиган, ҳукмрон (асосан амир, хон, вазир ва юқори табақа амалдорлари ҳақида). *Бормасанг, жавоб бер, давлатли хоним! Мен қалмоқ[қа] бораман бундан, султоним!* «Алпомиш». *Бирга-бирга юринг, давлатли беклар.* «Маликаи айёр». *Зарбингдан йиғласин бунда душманлар, Номардлик қилмагин, давлатли шунқор.* «Ширин билан Шакар».

ДАВЛАТЛИ II Катта давлатга, бойликка эга бўлган; давлатманд, бадавлат. *Давлатли одам. Давлатли оила.* ▬ *Бу ҳужраларнинг барча эшиклари ёпиқ ва қулфланган.. бўлиб, моллар билан бандлиги ва уй эгасининг давлатли одам бўлганлиги англашилур эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАВЛАТМАНД [давлат + *ф.* مند — бирор нарсага эгаликни билдирувчи қўшимча] **1** *айн.* **давлатли** II. *Давлатманд одам.* ▬ *Яхши оилага куёв бўлганидек, шаҳардаги бошқа давлатмандлар билан ҳам алоқа боғлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мана, юртга ўғил ўстирган Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.* Зулфия, Хаёллар, туйғулар. *Юраги яна пўкиллади. Тошкентнинг тўрт даҳаси танийдиган бу давлатманд кишининг олдига қандай киради.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Давлатмандлар кўкнинг чароғи, ернинг гули, одамларнинг асли, — дейди отам.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Иқтисодий жиҳатдан бақувват, ўзига тўқ, бадавлат. *Илгари қолоқ ва қашшоқ бўлган бу оила маданиятли ва давлатманд оилага айланди.* Н. Сафаров, Қурбонали. *Э, мулла Сафо, бу хотинталоқ давлатмандлар ейиш-ичиш учун эмас, мақтаниш учун бойлик тўплашади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Қишлоқ хўжалиги саноати давлатманд хўжаликлар қўлида тобора кўпроқ тўплана борди.* Газетадан.

ДАВЛАТМАНДЛИК Бой-бадавлат бўлиш; моддий жиҳатдан бақувватлик, катта иқтисодий имкониятларга эгалик. *Давлатмандлик нималарга қодир эканига унинг [Қоплонбекнинг] фаҳми етади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ДАВЛАТПАНОҲ [давлат + паноҳ] Бахту саодат ато этувчи, саодатбахш; подшоҳ. *Лутфу карамингиз нуридан кўнгулларимиз чароғон ўлиб, лайлу наҳор дуои жонингизни қилмоқ ила хурраму шодмиз, давлатпаноҳ!* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДАВЛАТХОНА [давлат + хона] *тар.* Арк; хон саройи; қаср, сарой. *Подшо давлатхонада ғамгин ёта берсин, энди бир сўзни подшонинг суярча ёридан сўранг.* «Эрали ва Шерали». *Эламас кетгандан ўз мазгилига бориб ётди, Эрта-мертан шоҳнинг давлатхонасига етди.* «Интизор». *Ўн йил ўтгандан кейин, Гўрўғлининг давлатхонасига Нуралихонни етаклаб борди.* «Нурали».

ДАВЛАТХОҲ [давлат + *ф.* خواه — хоҳловчи, истовчи] Бахту омад тиловчи; хайрхоҳ; бахт истовчи. *-Муҳтарам беклар, давлатхоҳлар! — деб гап бошлади Хўжа Абдулла.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ДАВЛАТЧИЛИК Давлат тузуми; давлат сифатида уюшишнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асос ва тамойиллари. *Ўзбекистон давлатчилигининг таркиб топиши.* ▬ *Бу йиллар миллий давлатчилигимизни тиклаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш даври бўлади.* Газетадан. *Давлатчилик тизимини мустаҳкамлайлик.* Газетадан. *Қорақалпоқларнинг миллий давлатчилиги ҳам ривожланди.* Газетадан.

ДАВО [*а.* دوا — дори-дармон; илож] **1** Беморнинг шифо топиши учун қўлланадиган восита; муолажа; умуман шифобахш нарса. *Қуёш, ҳаво — танга даво.* Мақол. *Асал — минг дардга даво.* «Қанотли сўзлар». ▬ *Олма шарбати организмнинг касалликларга қаршилигини оширади, юрак-томир касалликларига даво.* «Саодат». *Кашнич мевда касалига мубтало бўлган кишиларга даво ҳисобланади.* Газетадан. *Унинг қўлида даво топган беморлар ўз халоскорларидан бир умр миннатдор бўлишади.* Газетадан.

Даво қилмоқ 1) даволамоқ, муолажа қилмоқ, касални тузатмоқ; 2) *кўчма* кўмак етказмоқ, ёрдам қилмоқ.

2 *кўчма* Тадбир, чора, илож. *Амалга даво йўқ, Ёмонга — бало.* Мақол. *Оғриқ тишнинг давоси — омбир.* Мақол. ▬ *Мусибатнинг бирдан-бир давоси — меҳнат.* «Шарқ юлдузи».

Даво топмоқ 1) касални тузатадиган восита, дори-дармон топмоқ. *Ўтар бобо бошлиқ сарой табиблари унинг дардига даво тополмадилар.* С. Сиёев, Аваз; 2) даволанмоқ, шифо топмоқ; 3) *кўчма* илож топмоқ.

ДАВОБАХШ [даво + *ф.* بخش – бағишловчи, берувчи] *кам қўлл. айн.* **шифобахш.** *Улар [нефтчилар] нефть қидириб келишди-ю, бироқ излашган нарса нефть эмас, давобахш сув бўлиб чиқди.* Ф. Сирожиддинов, Чортоқ ҳавоси.

ДАВОЛАМОҚ 1 Касални муолажа қилиб, боқиб тузатмоқ, дори-дармон қилиб соғайтирмоқ. *Қулоқни даволамоқ. Тишни даволамоқ.* ▬ *Гапирмас эдим. У профессор дардимни ипидан игнасигача эшитса, осон даволайди, деб ўйладим.* Н. Аминов, Қалтис хато. *Умид табибдир: одамни даволаб, унга қанот беради.* «Ёшлик».

2 Бирор касалликни, оғриқни дори-дармон қилиб тўхтатмоқ, йўқотмоқ. *Ракни даволамоқ. Безгакни даволамоқ.* ▬ *Халқ жуда кўп шишларни пахтадоғ билан даволайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *кўчма* Маънавий-ахлоқий нуқсонни тузатмоқ, тўғриламоқ. -*Бу касални тузатиш мумкин, – деди раис, – аммо бўлармикан даволаб айёрлигингизни ҳам.* «Муштум». *Ҳамкасбларимизни тўғрилик ва ҳалоллик дориси билан даволаймиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бу дардни [эл дардини] адл суви билан ювмоқ, даволамоқ лозимдир.* Ойбек, Навоий.

ДАВОЛАНМОҚ Даволамоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Касалхонада даволанмоқ. Курортда даволанмоқ.* ▬ *Шамси Тўраевич қон босими ошиб, шифохонада даволаниб ётибди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Касалхонамизда даволана-ётган беморлар номидан ушбу совғани қабул қилинг.* С. Аҳмад, Сайланма.

ДАВОЛАНУВЧИ *от* Бирор бир соғлиқни сақлаш муассасасида даво, муолажа олаётган шахс. *Розия Фахриддиновага ҳамкасбларининг ҳам, даволанувчиларнинг ҳам ишончи бекиёс.* «Саодат».

ДАВОЛАТМОҚ Даволамоқ фл. орт.н. *Нега оламга келиб, оҳ-надомат билан ўтиб кетаётган шу ожизани шу кунгача даволата олмадик.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ДАВОЛОВЧИ Касалларга қаровчи, шифо берувчи; беморларга муолажа белгиловчи. -*Қўлларимни кесадими, Шукур ака? – эланиб сўради у даволовчи врачдан.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ДАВОМ [*а.* دوام – узоққа чўзилиш, узоқ муддатлилик, доимийлик] **1** Бирор иш-ҳаракат, ҳодиса, воқеа ва ш. к. нинг узлуксиз жараёни, бориши. *Кузатишлар “Марс-1” космик станцияси ҳаракатининг давоми нормал эканини кўрсатди.* ▬ *..бу одам уч йилдан бери ғулдираб келган, ҳозирги шунинг давомидай эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Табиатдир менинг давомим, Туташ эрур бағрим бағрига.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

Давом этмоқ (*ёки* **қилмоқ)** 1) бирор ишни узлуксиз бажармоқ. *Ортиқча отараваларимиз қирдаги сомонлар билан бундаги қуруқ бедаларни ташишда давом қиладилар.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой; 2) маълум вақтгача чўзилмоқ. *Бу ҳол тушга қадар давом этди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шундай шиддатли жанг кун бўйи давом этди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ўйин-кулги ярим кечагача давом этди.* А. Қаҳҳор, Асарлар; 3) (ў.-п. к. билан*)* бошланган иш-ҳаракатни давом эттирмоқ. *Очил индамай ёзишда давом этди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ғанижон беихтиёр орқасига қаради-ю, яна йўлида давом этди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Тўхтатилган иш-ҳаракат, ҳодиса, воқеа ва ш. к. нинг қолган (ҳали давом этиши лозим ёки мумкин бўлган) қисми. *Ҳикоянинг давоми. Кечаги гапнинг давоми.* ▬ *Қудрат хатнинг давомини ўқиёлмай.. қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *У гапнинг давомини айтолмай қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Бирор нарсанинг маълум жойидан кейинги қисми, кети. *Йўлнинг давоми. Чизиқнинг давоми.*

4 3-ш. эгалик ва ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (*қ.* **давомида).**

Давом феъли *тлш.* Давомли иш-ҳаракатни англатувчи феъл. *Ўтган замон давом феъли иш-ҳаракатнинг такрорланганлигини, давом этганлигини англатади.* «Ўзбек тили дарслиги».

ДАВОМАТ [*а.* دوامت – ишда бўлиш вақти**]** Муайян иш-ҳаракат, тадбирларга (машғулот, ўқиш, тўгарак ва ш. к. га) доимий иштирок этиш, қатнаш. *Ўқувчиларнинг дарсга давомати яхши.* ▬ *Тингловчиларнинг давомати яхши бўлмади.* Газетадан. -*Хўш,*

болалар, қани, айтинглар-чи, ҳозир синфларинг давомат масаласида нечанчи ўринда турибди? — деб сўради [директор]. Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

ДАВОМИДА 1 *кўм. взф.* Муайян вақт, муддатнинг давом этиш оралиғида, мобайнида. *Кейинги икки йил давомида биз уруғлик чигитларни нурлантиришга оид тажриба олиб бордик.* “Фан ва турмуш”. *Қутбиддинлар икки кун давомида ложувард конини ўрганишди, ўн килограммча намуна олишди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Саодатхон иккинчи чорак давомида қилинадиган ишларни батафсил сўзлаб берди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Муайян иш-ҳаракат, ижодий фаолият вақтида, орасида. *Иш давомида унда-бунда бегона сўзларни эшитиб, кейин эса китоб талаб, инглизчани билиб олдим.* “Гулдаста”.

ДАВОМИЙЛИК 1 Тўхтовсизлик, узлуксиз давом этишлик. *Демак, ҳаракатнинг давомийлигини ифодалаш учун маълум даврларга қадар* **-моқ** *аффикси билан ясалган ҳаракат номининг ўрин-пайт келишигидаги шакли қўлланган.* «ЎТА».

2 Изчиллик, анъанавийлик. *Кадрлар танлашда давомийликка риоя қилиш лозим.* Газетадан. *Бу масала [синф раҳбарлиги]да ҳам давомийлик жорий қилмоқ лозим.* Газетадан.

ДАВОМЛИ Узоқ давом этган ёки этадиган; давоми бор. *Давомли қарсаклар.* ▬ *Ҳусайн Бойқаро.. тўхтовсиз, давомли.. урушларда.. қиличбозликдаги маҳоратини намоён қилган эди.* Ойбек, Навоий. *Қизғин баҳслар, давомли мунозаралар студентлик кезларининг ажойиб ва серзавқ дамлари ҳисобланади.* Газетадан.

ДАВОМСИЗ *эск.* Узлуксиз давом этмайдиган, мунтазам қатнамайдиган. *Давомсиз ўқувчи.* ▬ *Булар [ўқувчилар] ҳам тўполончи, давомсиз, дарсда улгурмовчи бўлмаган.* Газетадан.

ДАВОМЧИ Ўзидан илгаригилар бошлаган ишни давом эттирувчи; ворис. *Бизда илму фаннинг забардаст намояндалари: Ибн Сино, Беруний, Улуғбекларнинг ҳақиқий давомчилари.. етишиб чиққанлиги дунёдаги дўстларимизни қувонтирмоқда.* Газетадан. *Тўрахон ўз авлодининг бирдан-бир давомчиси бўлган ўғли учун ҳамма нарсага тайёр эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ДАВОСИЗ 1 Даволаб бўлмайдиган, давоси йўқ. *Давосиз касаллик.* ▬ *Ўрмонжон нима қилса экан? Бу давосиз дардни кимга айтса экан?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Умрининг энг қимматли кунларини оғулаган, икки йил бўйи давосиз дардга мубтало қилган .. ўз онаси эмасмиди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Қутулиб бўлмайдиган, иложи, чораси йўқ. *Давосиз иллат.* ▬ *Йўлиқтирдинг давосиз дардга, дармонинг бўлурман деб.* «Муштум».

ДАВОТ [*а.* دوات — сиёҳдон] *айн.* **довот.** *Эртага шогирдим менга қоғоз, қалам, давот келтиргусидур.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Токчадан кўпдан бери қўл урилмаган давотқаламни олди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал. *Кўтаринглар қўлларингда аламни, Мулла олсин давот билан қаламни.* «Юсуф ва Аҳмад».

ДАВОТХОНА [давот + хона] *тар. эск.* Хон (подшоҳ) девонхонасида муншийлар, мирзалар ўтирадиган хона.

ДАВОХОНА [даво + хона] **1** *эск. айн.* **шифохона.**

2 Касалларни даволаш ишлари олиб бориладиган хона, жой; муолажа хонаси; профилакторий. *Ўнг томони беморлар ётадиган хоналар, чап томони давохона, ошхона, синфхона.* Газетадан.

ДАВР [*а.* دور — айланиш, айлана; алмашиниш, навбат] **1** Жамият тараққиётида ёки табиатда муҳим воқеа, ҳодиса юз берган ёки ўзига хос хусусияти билан ажралиб турадиган маълум вақт оралиғи. *Қулдорлик даври. Феодализм даври. Капитализм даври. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври. Тош даври. Темир даври.* ▬ *Ўзбекистон олимлари олиб бораётган археологик қазишмаларнинг тарихий диапазони тош давридан то ўрта аср охиригача бўлган даврни ўз ичига олади.* Газетадан. *Қанча даврлар ўтса ҳам, бўёқлари худди бугун сурилгандай яп-янги турган бу ажойиб бинолар Бобурнинг қалбидаги зафар завқига завқ қўшди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бунинг устига ўша давр тарихчилари Темур забардаст, хийла чиройли одам бўлганини ёзиб қолдирганлар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Тарихда бирор шахс ёки кишилар гуруҳи, сулоланинг номи билан боғланган вақт, замон. *Темурийлар даври. Навоий даври.* ▬ *Бобур Мирзонинг орзулари шулким, Мовароуннаҳр яна Улуғбек давридаги каби*

бирлашса, пойтахт аслига қайтса.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Шахс ҳаётидаги маълум вақт. *Ёшлик даври. Талабалик даври.* ▬ *Холиданинг ёшлик даврида аёлларнинг кўзи кўр эди, тиканни кўрмасдан босарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ўтган ярим асрли мураббийлик даврим мен учун ҳам катта ҳаёт дарсхонаси бўлди, кўп нарса ўргандим.* Газетадан. *Офтоб ойимнинг: "..нега қирқ кокил қилиб ўрмайсан" деган сўрашига: "Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди", деб кулди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Бирор бир авлод яшаган ёки яшаётган вақт; айни яшаб турилган вақт, замон, замона. *Ўз даврининг ҳар йирик воқеаси Ойбек ижодида ёрқин аксини топди.* Газетадан. *Давримиз ҳар бир соҳани комплекс равишда ҳал этишни тақозо этяпти.* Газетадан. *Чўлқуварлар ва қаҳрамонлар давр баҳодирларидир.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бадиийлик ва янгидан-янги эстетик кашфиётлар яратишимизни давр тақозо этмоқда.* Газетадан. *Ўқиш керак, давр билан бирга бориш керак.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Давр тараққиёти институт олимлари ва мутахассислари олдига янги-янги вазифалар қўймоқда.* Газетадан.

5 Бирор иш-ҳаракат, тадбир бажариладиган муайян вақт. *Ҳисобот даври.* ▬ *Ғўза парваришининг қизғин даври. Ҳар соат ғанимат.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳисобот даврида йигит-қизларнинг асосий диққат-эътибори пахтачиликни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилди.* Газетадан.

6 Маълум ҳодиса, воқеа, жараёнда ўзгариш содир бўладиган муддат. *Ўсимликларнинг ўсиш даври.* ▬ *Биз аввало ўсимликларнинг ўсиш даврини қисқартириш ва ҳосилдорликни оширишга эришдик.* «Фан ва турмуш». *Ҳосил тугиш даврида ғўзани чеканка қилиш муҳим агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади.* Газетадан. *Буқоқнинг айни авж олган даври экан.* Й. Шамшаров, Зиёлилар.

7 *махс.* Такрорланувчи жараён ёки хоссаларнинг ҳар бир такрорланишида унинг бошланишидан то охиригача ўтадиган вақт. *Битта тўла тебраниш учун кетган вақт давр деб аталади.* "Физика курси". *Календарь Қуёш, Ер, Ой ва Юпитер сайёраси ҳаракатининг астрономик даврларига асосланиб тузилган.* «Фан ва турмуш». *Қаторнинг, элементлар хоссасининг изчиллик билан ўзгаришини ўз чегараси ичига олган қисмини.. Менделеев давр деб атади.* «Кимё» дарслиги.

8 *геол.* Геологик системани ташкил қилувчи тоғ жинсларининг ҳосил бўлишига кетган вақт.

9 Кишининг омади келган, иши юришган чоғлар; роҳат-фароғатли замон. *Ҳозир бизга давр келган вақт. Давримизда ўйнаб олайлик.* ▬ *Давримизда юравермайсизми, дўстим, бир кишини қанотимиз тагига ололмасак, нима қилиб юрибмиз.* «Муштум». *Қўлингдан кетмасин давринг, давронинг, Ойдин кўлга қушинг чуйгин, Авазжон.* «Авазхон». *..ҳозир сизларнинг даврингиз, қўлингиздан келганини бизнинг ҳаққимиздан аяманг. Бир кун яна бизнинг давримиз келар.* С. Айний, Қуллар. *Гул юзимга, буви, мунча термулдинг, Уларнинг даврида ўйнадинг-кулдинг.* «Эрали ва Шерали».

Давр сурмоқ 1) ҳукмронлик қилмоқ. *Давр келса, ур, бегим, даврон келса, сур, бегим.* Мақол. ▬ *Хўп подшолар давр сурган эканларда, а!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Давр сурмоқчи бўлди, Бек бўп турмоқчи бўлди.* «Ойсулув». *Отанг подшо, сен қадимдан тўрасан, Олтмиш тўрт йил бўлди — давринг сурасан.* «Эрали ва Шерали»; 2) роҳат ва фароғатда яшамоқ. *Оқ эшон Худоёрхон вақтида хўп давр сурди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шу кишининг орқасидан давр суриб юрибмиз, ахир.* «Муштум». *Василий қишлоққа янги келган пайтида Асқар мулланинг давр сурган пайти эди.* С. Зуннунова, Олов. **Даври фалак** *айн.* **даврони фалак** *қ.* **даврон.**

ДАВРА I [*а.* دوره — айланиш, айлана; давр, навбат] **1** Доира шаклида тузилган саф ёки доира ясаб, қуршов олиб ўтирган кишилар ёки қўр ташлаб ўтирган одамлар. *Яхши йигит — давранинг боши.* Мақол. ▬ *Давра сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.* «Шарқ юлдузи». *Даврага ғалати сукут чўкди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ўрмонжон Қурбон ота билан Сидиқжонни созандалар ялла қилаётган даврадан топди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шундай қуршовнинг ўртасидаги бўш жой. *Жувон даврани уч айланганидан кейин, ўзи сингари кийинган бир йигитни тортади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳаяжонга тушиб, ниҳоятда чиройли ўйнаётган Бадиа*

даврани айланиб чиқди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Бўри полвон қўлларини орқага қилиб, давра айланди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

Давра олмоқ (*ёки* **ясамоқ, қурмоқ)** 1) доира шаклида тизилмоқ; қуршов олиб ўтирмоқ. *Саккиз юз одам ҳар тарафдан давра олиб, кийикни тутмоқчи бўлди.* "Эртаклар". *Давра қуриб ўтирган базмчиларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ нидоларини тасвирлашга тил кифоя қилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аёллар кураш бўлаётган ерга келиб, давра олишди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) айланиб, доира чизиб учмоқ. *Самолёт шаҳар устида бир давра олиб, кўздан ғойиб бўлди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Қандай бўлди ов, менинг ишим, деб, Неча давра олди олғир қушим, деб.* «Муродхон».

3 Маълум хусусиятига кўра уюшган одамлар тўпи, гуруҳи, тўдаси; йиғин. *Олимлар давраси. Санъаткорлар давраси.* ▬ *Мен қишлоқлик бир бола эмасманми, бунақанги катта олимлар даврасида биринчи бўлишим эди, андак ўнғайсизлана бошладим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ичкарида, бир тўп қизлар даврасида Зумрад ўсма қўйиб ўтирарди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Кейин, умуман, Зебо у даврага тўғри келмайди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

4 Ўйин, мусобақа, турнир ва ш. к. нинг бир қури; бир қур ўйин, тур. *Шахматчилар ўртасидаги мусобақанинг биринчи даврасида биринчи ўйин ҳам тугади.* Газетадан. *Жаҳон биринчилиги учун кураш олиб бораётган хоккей командаларининг иккинчи давра ўйинлари ниҳоятда кескин ўтмоқда.* Газетадан. *Иккинчи давра бошланди. Мирҳайдарнинг хўрози ғолиб чиқди.* «Муштум».

5 Кўп босқичли сайлов тизимида сайловнинг бир босқичи. *Сайловнинг иккинчи давраси бошланди.*

6 *тўқм.* Танда қўядиган айланувчи дастгоҳ.

7 *дин. этн.* Марҳумнинг гуноҳларини ювиш учун, жанозадан илгари тўпланиб ўтказиладиган маросим (бунда садақага ажратилган нарса марҳумнинг ёшига мувофиқ қўлдан қўлга ўтказиб айлантирилади).

ДАВРА II Бадиий мискарликда баркаш ва лаганлар устига тушириладиган, маълум тартибга эга бўлган доира шаклидаги нақшлардан бири.

ДАВРАПОЯ Пештоқига жимжимадор безаклар солинган кириш тоқи (арки)нинг умумий номи.

ДАВР-ДАВРОН, давру даврон Роҳатфароғатли замон; кишининг бахти чопган, омади келган чоғлар. *Эркин-эркин юргин, алла, Давр-даврон сургин, алла.* "Бойчечак". *Узоқ умр кўринг давру даврондa.* Ф. Йўлдош, Болаларимга. *Давру давронингда биз ҳам бир тўйиб ҳандалак еийлик, дугонажон!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Давр-даврон сурмоқ *айн.* **давр сурмоқ** *қ.* **давр 9**. *Айланай, қизим.. Бойнинг севикли хотини бўлиб, давру даврон сурмайсанми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Сизлар ҳам катта бой экансизлар, извош қилинг, беш кунлик дунёда давру даврон суринг!* Ойбек, Танланган асарлар.

ДАВРИЙ [*а.* دورى – вақти-вақти билан бўладиган] Вақти-вақти билан воқе бўлиб, такрорланиб турадиган, мунтазам такрорланадиган. *Даврий матбуот. Даврий тебранишлар (физ.).* ▬ *Силжишга пропорционал бўлиб, мувозанат вазиятига томон йўналган кучлар таъсири остида бўладиган даврий тебранишлар гармоник (ёки оддий) тебранишлар деб аталади.* «Физика курси».

Даврий каср *мат.* Чексиз ўнли каср. **Элементларнинг даврий системаси** *ким.* Элементларнинг хоссалари билан атом оғирликлари ўртасидаги даврий боғланишга асосланган ҳолда рус олими Д.И.Менделеев тузган элементлар жадвали. *Элементлар даврий системасини яратган Менделеев университетга кириш учун бир неча марта уринган, лекин ҳар сафар.. химиядан "йиқилган".* «Фан ва турмуш».

ДАВРИЙЛИК Вақти-вақти билан содир бўлишлик, такрорланишлик. *Тебранишларнинг даврийлиги.*

ДАВРОН [*а.* دوران – айланма ҳаракат, айланиш, бурилиш] **1** Фароғатли ҳаёт, турмуш; хуррамлик; бахтли фурсатлар. *Мени бахт нурига ғарқ этди меҳнат, шонли давроним.* Т. Тўла. *Узоқ умр суринг янги давронда.* Э. Раҳим. *Худо берса, шундай дилбарни олиб, Ўтказай дунёнинг давронин суриб.* «Муродхон».

2 Ҳукмронлик, олий мансаб (шоҳлик, подшоҳлик) гашти, сурури. *Оқтошнинг шаҳрида подшоҳлик қилдим, Неча вақт даврон устида ўтирдим.* «Муродхон». *На*

бўлди салтанатли давронинг, Душманга кетдими етмиш қўрғонинг? «Эрали ва Шерали».

3 Даврон (эркаклар исми).

Даврони фалак 1) фалакнинг айланиши, замоннинг ўтиши; 2) *кўчма* тақдир, қисмат, ёзмиш. **Даврон чархи** *ёки* **чархи даврон** Тақдир, қисмат, ёзмиш. -*Даврон чархи бундай тескари айланишини кутмаган эдим, — деди Комил.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Даврон сурмоқ** *айн.* **давр сурмоқ** *қ.* **давр 9**. *Аё шоҳим, адолатда тўрасан, Тўралик даврида даврон сурасан.* «Фольклор». **Соҳиби даврон** Амалдор, ҳукмдор; подшоҳ. *Соҳиби давронлар эса шаппати еб эмас, шаппати уриб ўрганган. Буни Аваз биларди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДАВШАН *шв.* Қуён.

ДАГАЛА *фольк.* **1** Жун ёки қилдан тўқилган ип, арқон. *Аймоқлар.. дагала билан уларни [Баҳромни ва унинг болаларини] уриб, кеча-кундуз йўл юриб, айни саҳар вақтида келди.* «Зулфизар билан Авазхон».

2 Дағал жундан босилган (тўқилган) уст кийим. *Тоҳир ҳамённи қўйнига солиб чиқиб кетганча, пешин кечроқ оёғига янги аскарий этик, бошига мўғулча бўрк, чакмонга ўхшаш дағал юнгли дагалани елкасига ташлаб келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ДАГАЛАЙ *шв.* Юмалоқ шаклда тикилган мўйна телпак.

ДАГИР I *шв.* Фирибгар, қаллоб; алдоқчи.

ДАГИР II *тўқм.* Очиқ рангли ярим шойи мато. *Нимшойи матоларнинг дагир ёки дурўя деган турлари майин ипакдан ўралади, арқоғи очиқ рангли ипдан бўлади.* «Фан ва турмуш».

ДАГИШ *шв.* Дарё қирғоқларининг ўпирилиши; ўпирилма жой. *Ўркач-ўркач тўлқинлар соҳилга сапчиб, дамбага тинмай урилларди, тупроқни ўз қаърига ютарди. Буни Хоразмда "дагиш" деб аташади.* Газетадан.

ДАДА 1 Ота, падар. *Гулнор икки ҳафтадан буён дадаси ва онаси билан бирга ҳар куни боғда ишлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қоракўз дадасини жуда яхши кўради. Чунки унинг саволларига дадажониси эринмай жавоб берарди.* «Саодат».

Дадаси *этн.* Хотин кишилар ўз эрининг исмини айтмай, унинг ўрнида ишлатадиган сўз. [*Ҳожар Умурзоққа:*] *Тўғри, дадаси, мен айтаман.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Нима қилай ахир, дадаси? Менга қолса ҳар йили туғай дебманми?* К. Яшин, Ҳамза. **Катта дада** Ота ёки онанинг отаси; бобо. *Чалишни билмайман. Катта дадам: "Чалма, сен найчи бўласанми, ёмон кўраман", дейди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дада (эркаклар исми).

ДАДИЛ 1 Дангал иш тутадиган, қўрқиб, ҳадиксираб ўтирмайдиган; довюрак. *Дадил бола. Дадил хотин.* ▬ *Раҳимберди ўзига ишонган, дадил йигит эди, ишлаб чарчамасди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. *Қадами, товуши дадил. Ҳар қандай мушкулдан тап тортмай, тикка қарши борадиган довюрак одам кўринади.* А. Мухтор, Асарлар.

2 Шижоат билан тўлиб тошган; жасурона, мардонавор, шахдам. *Дадил қадамлар.* ▬ *Халқ дадил боради. Айниқса хотинлар — оналар жасур.* Ойбек, Танланган асарлар. *Турсунбой тоғли қишлоғи томон жиддий, дадил одим ташлаб боряпти.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шеримбек дадил бориб, Бобур минган бўз отнинг олтин безакли юганидан олди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Меҳнат қилган одам доим бошқаларнинг юзига дадил қарайди.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 Қўрқмай, ишонч билан, бемалол, тортинмай. *Дадил жавоб. Дадил танқид.* ▬ *Узоқдан бўлса-да, Йўлчига дадил қарайди, баъзан яширин илжаяди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дадил ташлаётган қадамларига қараганда, унда иккиланишдан асар ҳам йўқ.* Газетадан. -*Нима ёрдам керак, тортинмай, дадил мурожаат қилаверинг, — деди Боймирзаев.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Маъруф Назаров кинематография, драматургия соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

4 Жисмоний, маънавий жиҳатдан бақувват; тетик, бардам. *Элмурод одамлар тўлқинида Фотима билан ёнма-ён юраркан, ўзини ҳар вақтдагидан дадил ва енгил сезди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дармони қуриган йигит ўзини дадил тутишга тиришар, лекин мункиб-мункиб кетар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шундан кейин Нормат ўзини янада дадил сезди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Моддий жиҳатдан ўзини тутиб олган; бой-бадавлат. *Жамоа хўжалигимиз бу йил анча дадил бўлиб олди.* Газетадан.

Ҳамёни дадил *с.т.* Серпул, пулдор.

6 *кўчма* Энг муҳим, долзарб, зарурий. *..энг дадил ғояларни ўртага ташлаб, уни рўёбга*

чиқарган ирригаторларнинг мардлиги ҳақида ҳикоя қилади. «Ўзбекистон қўриқлари».

ДАДИЛЛАНМОҚ Ўзига ишончи ортмоқ; тетикланмоқ, ўзига келмоқ. *Нодиров залдагиларга қараб олди, ўзининг жанговар дўстларини, донғи кетган оловкорларни кўриб, дадилланди.* И. Раҳим, Тақдир. *Газагига яхна гўшт еб, анча дадилланди.* К. Яшин, Ҳамза.

ДАДИЛЛАШМОҚ Тобора дадилланиб, шижоат ва тетиклиги ортиб бормоқ. *Горбунов яна ҳам дадиллашди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Дўстларининг ўзига тикилиб турганини кўриб, Саттор дадиллашди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ДАДИЛЛИК Жисмонан ва руҳан ўзига ишонганлик, бақувватлик; дангаллик, довюраклик, тетиклик. *Иш жуда соз бошланди. Энди охиригача силлиқ кетсин. Бунинг учун биринчи галда дадиллик керак.* Ойбек, Танланган асарлар. *Санъаткорда куч ва ишонч, эрк ва дадиллик бўлмас экан, у ўз мақсадига эриша олмайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бу таклиф Темиржонда андак дадиллик уйғотди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ДАДИЛОНА *рвш.* Қўрқмай, жасурлик билан, мардонавор. *Дадилона олға бормоқ.* ▬ *У.. қулликка, жабр-зулм сиёсатига дадилона қарши чиқди.* Газетадан.

ДАЁВ *шв.* Қайиқни бошқариб боришга хизмат қилувчи таёқ; эшкак. *Қайиқнинг орқа томонида даёв ушлаган дарға уни тўғри йўлдан олиб бормоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ДАЖЖОЛ [*а.* دجّال – йўлдан урувчи, фирибгар, ёлғончи] **1** Ислом динига кўра, қиёмат яқинлашганда пайдо бўлиб, одамларни диндан, тўғри йўлдан оздирувчи, одамсимон бир кўзли махлуқ. *Бу ҳикоядан [Элмурод] вужудини ваҳима босиб, бошини кўрпага буркаб олди: дажжол деган бир махлуқ кечаси билан тоғларни кемирармиш.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дажжолнинг бир кўзи кўр бўлар экан.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *кўчма* Ўтакетган бешафқат ва фирибгар. *Дажжолда раҳм-шафқат бўладими – мени тоза калтаклашди, кечаси қочиб кетдим, Яхши бува.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сен қаттолларнинг қаттолисан, дажжолларнинг дажжолисан.* Ш. Рашидов, Асарлар.

3 *сўк.* Малъун, иблис, шайтон. [*Мулла Рўзи Майсарага:*] *Ҳа, мен ўлгани келдимми? Бир ёқдан жўнат қани, дажжол.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Вой-вой.. Ё пирим! Оббо, дажжоллар-эй!* Ҳамза, Заҳарли ҳаёт.

ДАЗГИЛ [*ф.* دستگير – ёрдам берувчи; ушлаб турувчи] *махс.* Тикилаётган оёқ кийимини тиззага қистириб қўйиш учун косибчиликда ишлатиладиган айлана тасма. [*Унсин*] *Тагига кичкина курси қўйиб, оёқларига дазгил чалмаштириб, эпчил қулоч тортади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДАЗГИР *шв. айн.* **дазгил**. *У [Ҳайдар] устига кичкинагина чорбурчак кўрпача ташланган пастак курсига ўтириб олар, ўзи учун мослаштириб қисқартирилган дазгирни тиззасидан ўтказиб олар, дадаси берган ишни тикишга бошларди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ДАЗМОЛ [*ф.* درزيمال – дарз, тешик-тирқиш, чокни текисловчи] **1** Кийим-кечак, газлама ва ш. к. ни қиздириб текислаш, силлиқлаш, ғижимини ёзиш учун мўлжалланган асбоб. *Чўян дазмол. Электр дазмол.* ▬ *У уйнинг иссиғи ва дазмолнинг тафтидан қизиб кетган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Маданий турмуш учун энг зарур буюмлардан бири дазмолдир.* Газетадан. *Зебо дазмолни онаси қўлидан олиб боса кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Дазмол босмоқ (*ёки* **урмоқ, қилмоқ)** Дазмолламоқ, дазмоллаб текисламоқ. *Акрам Нигорани уйидан топди: ювилган кийимларига дазмол ураётган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Адолат*] *Усмонжоннинг кир кўйлакларини, сочиқларини ювди, дазмол қилди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Ямоқ ишлари сийраклашгач, ювилган кийимларга дазмол босишди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Дазмоллаш натижасида кийим-кечак, газлама ва ш. к. нинг юзида ҳосил бўлган силлиқлик, текислик. *Кийган кўйлагининг дазмоли ҳали кетгани йўқ.*

Дазмоли бузилмаган Тахи бузилмаган, ғижимланмаган; янги. *Унинг назарида, Зийнатуллаевнинг чиройли поляк трикосидан тикилган ва ҳали дазмоли бузилмаган костюми ҳам.. ўзига кўп бино қўйганидан далолат берарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Дазмоллаш иши. *Корхонамизда анча киши дазмолда ишлайди.*

ДАЗМОЛЛАМОҚ 1 Дазмол босиб текисламоқ, ғижимини ёзмоқ, силлиқ қилмоқ. *Кўйлагингизни дазмоллаб қўйдим.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шойи кўйла-*

гимни киймасам бўлмас, ёқасин дазмоллаб олмасам бўлмас. «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма салб.* Хаспўшламоқ, бости-бости қилиб, текислаб юбормоқ (жиноят, ножўя хатти-ҳаракат ва ш. к. ҳақида). *Нон заводининг директори прокурор кабинетига икки марта илжайиб кирган эди, ишлар дазмолланди-қўйди.* Газетадан.

ДАЗМОЛЧИ Тикув ёки кир ювиш корхонасида кийим-кечакка дазмол босувчи ишчи.

ДАЙДИ 1 Доимий тураржойи ва белгили касби бўлмаган, бир жойда қўним топмайдиган; дарбадар (одам ҳақида). *Дайди ҳаёт кечирмоқ.* ▬ *Тайини йўқ дайди. Машҳад бекатларида юриб, майнавозчиликка ўрганиб қолган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Дарахт бир жойда кўкаради.. Отанг раҳматли умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди. Сен дайди бўлиб қолдинг.* П. Турсун. Ўқитувчи.

2 Доим тентираб, дайдиб, санқиб юрадиган; санқи. *Дайди одам.* ▬ *Кир ювиб ўтирган опам орқамдан қичқиради: -Яна қаерга, дайди?* Ойбек, Болалик. *Дўппи тикиб қон бўлдим Дайди, саёқ аҳмоққа.* «Бойчечак». *Тағин қаёқни кўзлаяпсан, дайди! Бола бўлиб ҳеч фойданг тегмайди!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Ҳар ёқда изғиб юрадиган. *Унда-мунда бир эшик учрайди. Лекин оч-ориқ, дайди итлар кўпроқ санқиб юради.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Бемаҳал ва бетартиб ҳаракат қиладиган, йўналиши ўзгариб турадиган. *Дайди шамол. Дайди булут. Дайди тўлқин.* ▬ *Ҳаво ҳамон булут бўлиб, кўкламнинг дайди шамоли гувуллаб эсиб турарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ҳандалак бўйини аста уфуриб ўтган дайди шабада палаклар оромини бузди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Қуёш думалаб, кўкка кўтарилар, дайди булут парчаларининг кўланкаси қишлоқ устидан ўтиб турарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ишга ярокли одамларнинг ҳаммаси далада бўлди.. дайди сувнинг йўлини ўзгартириб турдилар.* Газетадан.

Дайди гап Оғиздан оғизга ўтиб юрган гап, миш-миш гап. [*Мирзакул:*] *Дайди гапга қулоқ солманг!* Н. Сафаров, Уйғониш. **Дайди ўқ** Бемўлжал отилган, бехосдан келган ўқ. *Фашист мерганларининг дайди ўқи Тўрабойнинг бошига келиб тегди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар. *..чинқираб келаётган дайди ўқлар эса дарахтларнинг шохларини чўрт-чўрт узиб ташлар эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ДАЙДИЛАНМОҚ Бир жойда қўним топмай, кўчиб юрмоқ, тентиракламоқ; дайдимоқ, санқимоқ.

ДАЙДИЛИК 1 Бемақсад санқиб юришга одатланганлик.

2 Дарбадар кезиб юриш, қўнимсизлик. *-Менинг ҳам кўп умрим қишлоқма-қишлоқ дайдилик билан ўтадиган бўлиб қолди, — деди Ботирали.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

3 Санқиб, дайдиб юриш, саёқлик. *Туну кун оғзи ичкиликдан, ўзи дайдиликдан бўшамайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ДАЙДИМОҚ 1 Қўним топмай, дарбадар кезиб, кўчиб юрмоқ. *Дунёдан умидимиз бор. Биз дайдимайдиган кунлар ҳам келар, хўжайин!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Саёҳат қилиб, дайдиб юришга одатланган бир киши бўлганим учун қопқонга ўхшаган бу дўконда диққинафас бўлиб ўлаёздим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Тентиракламоқ, тентираб, санқиб юрмоқ. *Уйингда кам бўласан, қаёқларда дайдийсан?* ▬ *У уззукун шаҳар кўчаларида дайдиб юрди.* «Шарқ юлдузи». *Қудрат эгасиз дайдиб юрган саманни тутиб, Полвон отанинг олдига олиб борганда, Полвон отадан шу воқеани эшитган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Бирор мақсадда изғиб юрмоқ. *Секинроқ гапир, ўғлим, хон айғоқчилари дайдиб юрибди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Менга, дўстим, о, тутма осон, Бунда тун-кун ажал дайдийдир.* Т. Тўла, Асарлар.

4 *кўчма* Одатдаги ҳолатдан фарқли равишда ҳаракатланмоқ. *Аллақандай дайдиб келган изғирин қуруқ қорларни чирпирак қилиб, узоқларга учириб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Қишлоқ тепасида ипак толаларидай нафис мезон эринибгина дайдиб юрибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ДАЙН [*а.* دين — қарз]: **дайн қилмоқ** Бўйнига қўймоқ, бўйнига олдирмоқ; топширмоқ. *Суд ҳайъати.. пиримнинг гуноҳларини бўйнига дайн қилиб.. 3 йил овоқхонада меҳмон бўлишларига ҳукм қилган.* Газетадан. *Болшавойларни алдашни авлиё.. зиммасига дайн қилдилар.* «Муштум».

ДАЙР [*а.* دير – бутхона] **1** Насронийлар ва оташпарастлар ибодатхонаси; бутхона; оташкада. *Бизга маю маъшуқ, сизга дайр ташвиши..* Умар Хайём.

2 *кўчма* Майхона.

3 *кўчма* Дунё, жаҳон; бутун дунё. *Қиссаси кўп кўҳна дайрнинг..* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *Вужуд деганлари асли нимадир? Дайр денгизида юрган кемадир.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ДАЙРАБОТ *шв.* Дарёнинг ёқаси, дарё бўйи. *Мерган отар дайработнинг ғозини, Хоним, англа Ҳуройимнинг сўзини.* «Муродхон».

ДАК Ипакнинг ҳиндлар тайёрлайдиган бир тури. *Бизга машҳур дак ипагини кўрсатишди. У қордай оппоқ, майин.* З. Акромов, Ҳиндистон лавҳалари.

ДАКА Шох ташламайдиган, мувозанатланган варрак. *Турсунали ясаб олди ўзига дака. Катта, бутун тахта қоғоз, ўзи ҳам қуроқ.* Ғ. Ғулом. *Болалар ширачлаб дака варрагин, Баҳорни чақирар:"Боғи шамол, кел!".* С. Акбарий, Меҳригиё.

ДАКАВАРРАК *айн.* **дака.** *Дакаваррак осмон фалакда калтадум эчкидек ликиллаб турарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ДАКАН [*а.* ديك – хўроз] Товуқ-хўрозларнинг бўйдор ва гўштдор тури. *Дакан товуқ.* ▬ *Кўчқорлар билан даканни нега боқиб семиртиряпти бу, ана шуни айтиб берсин.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

Дакан хўроз 1) шу турга мансуб урушқоқ хўроз. *Қишлоқ томондан дакан хўрозларнинг уйқу аралаш бўғиқ овози эшитилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) *кўчма ҳазил* зўравонлик билан кериладиган, урушқоқ одам ҳақида. *Янги ерга бойиб кетиш учун келган дакан хўрозларни ҳам анчагина учратамиз.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди.

ДАКАНА Ўрта яшар ва кекса аёлларнинг (кўпинча оқ докадан) саллага ўхшатиб ўраладиган рўмоли. *Ўзбек ойим тўйга борадиган хотинлардек ясанган, эгнида одми хонатлас кўйлак, бошида оқ шоҳи дакана, кўзида сурма эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бошида кўкимтир шоҳидан саллача – дакана, бу дакана Хадича бегимнинг бўйи-қоматини баланд кўрсатар эди.* Ойбек, Навоий.

ДАКАНГ I *айн.* **дакан.** *Кейин жангда ғолиб чиққан даканг хўроздай гердайиб, узоқда беда ўраётганлар томон жўнади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ДАКАНГ II *тақл. с.* Чилдирманинг икки зарбда чиқарган овози ҳақида. *Чилдирманинг овози кулурким, даканг-даканг.* "Муштум".

ДАКАНГЛАТМОҚ Оёғини ерга теккизмасдан, дик-дик югуртирмоқ. *Агар бу жиноят бир ҳимоясиз йиртиқчопон томонидан содир бўлганда эди, мингбошингиз унинг қўлини орқасига боғлаб, даканглатиб олиб кетган бўлар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ДАККАМ-ДУККАМ *айн.* **яккам-дуккам.** *Тўғонбек даккам-дуккам мўйлабини йўғон бармоқлари билан чимтиб, кинояли кулиб қўйди.* Ойбек, Навоий.

ДАККИ [*ҳинд.* «дҳакка» – зарб, туртки; изтироб] **1** Ножўя иш, хатти-ҳаракат учун айтилган аччиқ гап, қаттиқ танбеҳ, таъзир, койиш. *Чакки юрсанг, дакки ерсан.* Мақол. *У даккиларга бўш келмайдиган одам. Дакки емоқ (эшитмоқ).* ▬ *Аҳмаджон дадасидан бир неча дакки эшитиб, уйига жўнади.* «Ёшлик». *Болалар мени нега ёмон кўришларини айтсам, улар мен туфайли ё онасидан, ё отасидан дакки эшитарди.* Х. Тўхтабоев, Беш болали йигитча. *Қилғиликни сиз қилдингиз, даккини биз эшитдик.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ноҳақ туртки, хўрлаш, таҳқирлаш. *Чўриликдан қутулдим, энди бойнинг хотинларидан дакки емайман.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ёмон бўлсанг, ким кўрингандан дакки ейсан!* Н. Сафаров, Наврўз. *Ҳар кишидан дакки еявериб, юрагим қонга тўлиб кетди.* Уйғун, Асарлар.

ДАККИ-ДАШНОМ [дакки + *ф.* دشنام – сўкиш, ҳақорат] Танбеҳ ва ҳақорат; таҳқир ва сўкиш. *Отам умрининг охиригача ўз шаънига, оиласи шаънига гард юқтирмаслик, одамлардан дакки-дашном эшитмаслик учун интилган.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ДАКРОН Лавсан материалининг иккинчи, тижорий номи.

ДАКТИЛ Бармоқлар ёрдамида амалга ошувчи, имо-ишораларга асосланган.

Дактил нутқ Кар-соқовларнинг бармоқлар ёрдамида амалга ошувчи нутқи. *Дактил нутқ аслида бармоқ белгилари бўлиб, улар ҳар бир тил учун қабул қилинган ёзувни ўзида акс эттиради.* Газетадан.

ДАКТИЛОГРАФИЯ [*юн.* daktylos – бармоқ + grapho – ёзаман] Ёзиш учун қулай бўлган ҳар қандай текис юзада бармоқлар билан амалга оширилган ёзув (кар-соқовлар ўртасида).

ДАКТИЛОЛОГИЯ [*юн.* daktylos – бармоқ + logos – сўз; тушунча] Кар-соқовларнинг бармоқлар ишораси билан гаплашиш усули.

ДАКТИЛОСКОПИЯ [*юн.* daktylos – бармоқ + skopeo – қарайман] Одам бармоқларидан қолган изларни ўрганиш асосида унинг шахсини аниқлаш. *Дактилоскопия ва рўйхатга олиш бюроси ишга киришди.* «Фан ва турмуш».

ДАЛ I *шв.* Худди ўзига, тўппа-тўғри. *Дал отмоқ.* ▬ *Овчи-да! Дал кўзлаб отар, Қайрилар қанот.* Миртемир, Асарлар.

ДАЛ II *шв.* Тут барги.

ДАЛА 1 Аҳоли яшайдиган жойдан ташқарида бўлган, экин экиладиган ер, экинзорлар. *Экин даласи. Пахта даласи. Меҳнат даласи. Пахтазор дала. Боғбон боғини тузар, Деҳқон даласин сузар.* Мақол. ▬ *Аёллар далада, болалар мол-ҳолларни ўтлатгани олиб кетишган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тўғри, чоршанба куни далага қўш чиқиши керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Дала шийпони Деҳқонлар иш маҳалида ҳордиқ чиқаришлари учун далада қурилган бино. *Кўзига ойнак тутиб олган тракторчи йигит дала шийпони олдига келиб тўхтади.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Зовур бўйлаб бир оз юргач, дала шийпони рўпарасидан чиқдик.* Газетадан.

2 Шаҳардан ташқаридаги боғ, қўрғон ва ер-сувлар. -*Поччанг ўлсин!* – *деди аччиқланиб Хушрўй,* – *Нажмиддинбек деганнинг даласига кетган эди. Тўрт кундан бери домдараксиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Дала ҳовли Дала жойда барпо этилган, дам олишга мўлжалланган маскан; дача. *Дала ҳовлининг олдидан катта сой оқиб ўтади.* Газетадан. *Дала ҳовли учун дарвозаси билан тайёрланган панжарани бўяшда давом этди.* Газетадан.

2 Умуман кенг табиий сайҳон ер, ёвон. *Дала, қирлар қирмизи кўйлак кийган сулув келинчакдек яшнаб кетган.* Газетадан. *Адоқсиз далалар, офтоб ўт пуркайди.* «Саодат». *Дов-дарахтлар, том-тош, далаю қирлар оппоқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Уйдан (хонадан) ташқари жой, ҳовли, кўча. *Онанинг кўнгли болада. Боланинг кўнгли далада.* Мақол. *Даладан келган ўғрини тутиш осон, Уйдаги ўғрини тутиш қийин.* Мақол. ▬ *Мен даладан олай хабар.. Ўйин қилиб тургин, қизлар.* «Маликаи айёр».

Дала машқи *ҳарб.* Аскарларнинг аҳоли яшайдиган жойдан ташқарида, очиқ майдонда ўтказадиган машқлари. *Элмуроднинг взводи ҳам батальон билан икки ҳафталик дала машқига чиққан эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Дала почтаси** Ҳарбийларнинг ҳарбий қисмлар бўйича юриб хизмат қиладиган почтаси. *Хатдаги содда, ёқимли сўзлар, унинг таниш имзоси, дала почтасининг беш рақамли адреси – буларнинг ҳаммаси Эралининг соғ-саломатлигидан далолат бериб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ДАЛАБОП Дала шароитида кийишга мўлжалланган; чидамли. *Шляпасини, далабоп костюмини ечиб, илгакка илди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. -*Далабоп қаттиқ тиринкадан беш-олти метр оламан,* – *деди Хўжараҳмон.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ДАЛА-ДАШТ Дала ва даштдан иборат ерлар. *Зиёхўжанинг қўйи, йилқиси тоққа, даладаштга сиғмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ботаника дарси синфда эмас, дала-даштда, тоғу тошда ўтказилади.* «Ёшлик». *Йўл даладаштдан қайтувчилар, подалар, подачилар билан тўлиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДАЛАЙ-ЛАМА (*мўғ.* «далай» – донишманд, «лама» – дин пешвоси) 16-асрдан бошлаб Тибет руҳонийларига берилган унвон.

ДАЛАСИЧҚОН Кемирувчилар оиласига мансуб жонивор.

ДАЛАТОБ 1 Далада, қишлоқда ўсган. *Отабек айтди: Биз токай қипчоқлар қўл остида эзиламиз ва бир ҳовуч далатобларга бош эгамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Тобланган, чайир, бақувват. *Йигит тушмагур, нима қилса-да, далатоб, азамат йигит-да. Иштаҳаси ҳам карнайдаккина экан.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ДАЛА-ТОШ *айн.* **дала-дашт.** *Февралнинг ўрталарида ҳаво юмшаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёпиғи тешила бошлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Дала-тошда нечанинг тугаб мадори, Сиқади юракларни аламли зори.* Ғайратий.

ДАЛА-ТУЗ Дала ва экилмай ётган сайҳон, бўз ерлар. *Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан, Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг тошидан.* Мақол. ▬ *Зумрад эрта тонгдан дала-туз, яйлов айланиб кетади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Карнай-сурнайлар эрталабдан дала-тузни бошига кўтариб, меҳмон чорлади.* «Гулдаста».

ДАЛАЧИ Далада, қишлоқда яшовчи; далада ишловчи. *Бошқа ҳеч ерда милт этган нур йўқ, ҳаммаёқ зим-зиё, далачилар аллақачон уйқуга кетишган.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Яғриндор Арслон далачи дўсти билан хайрлашиб, лапанглаб, ичкари кириб, трубкани кўтарди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

ДАЛАЧИЛИК *с.т.* **1** Дала экинлари (пахта, ғалла, сабзавот ва ш. к.) етиштиришдан иборат деҳқончилик тизими; экинчилик. *Далачилик бригадалари.* ▬ *-Олтита далачилик бригадаси тузилди.* Газетадан. *Жавод Кўчиев биринчи трактор-далачилик бригадасига етакчилик қила бошлади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Дала шароити. *Кечирасиз энди, далачилик.*

ДАЛАЧОЙ Далачойдошлар оиласига мансуб ўт ёки чала буталардан иборат ўсимликлар туркуми. *..улар миқдори қичитқи ўт, отқулоқ, ялпиз, мойчечак, далачой ва бошқа гиёҳларда кўпроқ тўпланиш хусусиятига эга эканлиги аниқланди.* «Ёшлик».

ДАЛБАНГЛАМОҚ *шв.* Гандиракламоқ. *Яна турдим. Далбанглаб бориб, бировнинг бўйнига осилдим.* «Ёшлик». *Бобо калитини тополмай, далбанглаб.. бир йиқилиб олди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ДАЛВ [*а.* دلو – челак; меш] **1** (Д – *катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Жадй ва Ҳук буржлари ўртасида жойлашган (*қ.* **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи (22 январь – 22 февраль даврига тўғри келади). *Далв кирди – давр кирди.* Мақол. ▬ *1264 ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАЛВА-ДАЛВА *шв.* Парча-парча, жулдур. *Алмонбойнинг қўйини боқаман. Уст-бошим далва-далва.* «Юнус пари». *Дўконларнинг эшиклари ёпиқ, биноларнинг соясида ифлос, далва-далва кийимли одамлар ухлаб ётишарди.* Газетадан.

Далва-далва қилмоқ Тилка-пора қилмоқ; эзмоқ. *Йигитнинг куюнишлари ҳамманинг юрагини далва-далва қилиб юборди.* «Ёшлик».

ДАЛДА Руҳни кўтарувчи, куч-ғайрат, мардлик, дадиллик бахш этувчи маънавий ёрдам, ҳимоя, илиқ сўз ва ш. к. *Далда бўлмоқ.* ▬ *Атрофдаги одамларнинг далдаси умиднинг сўнгги учқунини сўндирмасликка ёрдам беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Далда бермоқ Руҳни кўтарувчи, куч-ғайрат, сабр-матонат, дадиллик бахш этувчи иш, ҳаракат қилмоқ, илиқ сўз айтмоқ. *Чаққон ака довдираб қолган қизига далда берди.* Газетадан. *-Ёмон ният қилманг, – Мансур акаларча меҳрибонлик билан Гавҳарнинг елкасидан тутиб, далда берди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Поччаев мажлисни бошқаролмай, ишни бузиб қўйганига амин эди. Лекин Баратова кўз қараши билан унга далда берди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Ўзига-ўзи далда бермоқ** Ўзини ўзи юпатмоқ, ўз-ўзига тасалли бермоқ; ўзини тутиб олмоқ. *Ҳиқиллашни бас қил, дея ўзимга далда бера бошладим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Киши ҳам ўз сўзидан қайтадими, деб ўзимга- ўзим далда бердим.* Газетадан. *Гоҳо ўзимга-ўзим далда бераман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДАЛИ *шв.* Жинни, тентак; ақлдан озган. *Дали бўлмай, вали бўлмас.* Мақол. *Далидан тўғри хабар.* Мақол. ▬ *Ватандан айрилган ватангадолар Тириклик йўлида саргардон, дали.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Бебош, асов. *Жайҳун қани, Сайҳун қани? Қани тошар дали дарё?* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

ДАЛИ-ДЕВОНА *айн.* **дали 1.** *Кўп ўтмай, тўранинг боғини суғораётган Полвонни кўриб севиб қолдим-у, дали-девона бўлиб, ишқи ўтида ёндим.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ажаб дали-девонаман, Элатимдан бегонаман.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ДАЛИЛ [*а.* دليل – белги, из; исбот; сабаб] **1** Фикр, мулоҳаза ва ш. к. ни тасдиқловчи, улар ҳақида далолат берувчи нарса; исбот, факт. *Ишончли далил. Кучли далил.* ▬ *-Гумонингиз бор-у, далилингиз йўқ! – Қундузой унинг сўзини бўлди.* Ойдин, Ҳикоялар. *-Туҳмат, қани далил? – бирдан тутақиб бақирди Ўлжаев.* «Муштум». *Маъқул эмас, дейиш билан иш битмайди, бирорта далил керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *ҳуқ.* Жиноятни тасдиқловчи нарса, факт ёки ҳолат. *Сиз айтаётган буюмлар қотилликка алоқадор эканлигига далил бўла олмайди. Буни ҳали исботлаш керак.* «Ёшлик». *У ўз раисини қўлга туширган ҳужжатларидан, далилларидан, тергов натижаларидан хабардор қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Ашёвий (*ёки* **ашёйи) далил** *ёки* **моддий далил** Жиноятни исботлайдиган буюмлар. *Суд мажлиси залида Пауэрсни жосусликда фош этувчи ашёвий далиллар қўйилган.* Газетадан. *Прокурор асло иложи йўқлигини ашёвий далиллар билан исботлаб берди.* С. Аҳмад, Юлдуз. **Тўғри далил** Тўғридан-тўғри, бевосита исботлайдиган далил (мас., жиноятчи бармоғининг бирор нарсада қолган изи). **Эгри (***ёки* **сохта) далил** Бавосита исботлайдиган далил. *..Бўлмаган сохта далиллар билан гапирувчи ифлосларнинг сўзига кириб, бу хилда қилиш яхши эмас.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ДАЛИЛЛАМОҚ Фикр, мулоҳаза, даъво ва ш. к. нинг тўғрилигини факт, исбот ва ш. к. билан асосламоқ, тасдиқламоқ. *Ёзувчи ҳалол, меҳнаткаш Умиднинг бу оила таъсирига тушувини ишонтирарли далиллайди.* О. Тоғаев, «Умид» романи. *Бу даъволарни турли аспектда далиллаш учун қитъа жанри етарли материал бера олади.* «ЎТА». *Янги ревизор бошқарманинг кейинги йиллардаги молиявий-хўжалик фаолиятини далилловчи барча ҳужжатлар билан танишиб, бошини қотириб ўтирмади.* Газетадан.

ДАЛИЛ-ИСБОТ Далил ва исбот қилишга асос бўла оладиган нарсалар, факт. *Қосим калава ҳибсдан озод қилинган, зеро, уни қўлга туширадиган далил-исбот йўқ эди.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

ДАЛИЛСИЗ Ишонтирувчи ҳужжатлари, исботи йўқ, фактсиз. *Бу каби асарларда, одатда, тил ҳам ғализ, тасвирланган воқеалар ҳам далилсиз.* Газетадан.

ДАЛИР [*ф.* دلیر – довюрак, жасур] Қўрқинч билмайдиган; довюрак, шижоатли. *Журм ишиға далир ўлуб, кўб қиламан шитоб ўзум.* Ҳувайдо.

ДАЛИ-ТЕЛБА *қ.* **дали-девона.** *Амударёни дали-телба дарё, бебош дарё дейишади.* Р. Бекниёз, Лаққа балиқ барваста.

ДАЛИ-ҒУЛИ *с. т.* **1** Кўнглида кири йўқ, оққўнгил ва хушчақчақ. *-Ўртоғим бирдан кулиб юборди, ўзи жуда серзавқ, дали-ғули, шўх бола, – дейди Мусавой.* Ойбек, Болалик.

2 Чапанича, соддаларча айтилган; палапартиш. *Нозим ака ҳам унинг дали-ғули гапларига ўрганиб кетган шекилли, индамай бош ирғади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ДАЛЛА [*а.* دلّه – воситачи; қўшмачи] *нафр.* Қўшмачилик билан шуғулланувчи, қўшмачи. *Кўп қизларнинг бўйи етган паллалар. Келтираркан сарой ичра даллалар.* Ҳабибий. *Ҳайдайди қўшмачи деб, ҳеч ким йўлатмас уйга, Ажаб эмас аслида расвою далла бўлса.* Уйғун, Ҳаёт чақиради.

ДАЛЛИ 1 *айн.* **дали 1, 2**. *Бахшими, оташқалб, элсевар далли, Бош оққан томонга кетаётган кас?* А. Икромов, Биз дунё одамлари.

2 Далли (аёллар исми).

ДАЛЛИК *шв.* Эгар тагидан солинадиган тўқим.

ДАЛЛОК [*а.* دلّاک – уқаловчи, массажчи; ҳаммомчи; сартарош] *шв.* Сартарош. *Даллокларнинг покиси, Қўлида тамокиси..* «Халқ дурдоналари».

ДАЛЛОЛ [*а.* دلال – жарчи; воситачи] **1** Савдо-сотиқда олувчи билан сотувчи ўртасида воситачилик қилувчи, молга нарх қўйиб, уларни келиштирувчи киши. *Эл назар қилмаса, эшак бозорига даллол ҳам бўлолмайсан!* Мақол. *Тилнинг узуни даллолга керак.* Мақол. ▬ *Муҳсин гуппи аввалдан даллол ёллаб олган шекилли, икковлашиб бир туркмандан гилам савдолашарди.* «Шарқ юлдузи».

2 *салб.* Ўртада туриб, ножўя ишларни битиштирувчи, муросага келтирувчи, воситачи. [*Қўзибой:*] *..Раҳимга нима деб айтаман-а? Ўртада даллолмисан, демайдими!?* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сизга ўхшаш даллолларга ҳожат йўқ. Мен сизни хўп синаганман. Сиз халқ бўронини тўсмоқчимисиз?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Далла, қўшмачи. *Гулсанам бола чоғида онаси билан далада ишлашга ўрганиб қолган эди. Энди эшикка чиқармай қўйишди: хоннинг даллолларидан қўрқадилар.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. [*Ғофир:*] *Ахир даллол деганда паранжи бўлади-да, чопонни йигит киши кияди.* Ҳамза, Бой или хизматчи. *Иягида учтўрт тола соқол кўзга ташланган, баланд бўйли, бақувват, эркаксимон даллол кампир уни [куёвни] етаклаб, палак остидан қизга келтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДАЛЛОЛБОШИ Даллолларнинг бошлиғи, оқсоқоли, бош даллол. *Хўжазода Носирхўжа даллолбошининг кенжа ўғли..* С. Абдулла, Сирлар.

ДАЛЛОЛЛИК 1 Даллол иши, касби билан шуғулланишлик. *Унинг касби даллоллик. Даллоллик қилмоқ.* ▬ [*Набиқори*] *Баъзан чайқовчилик билан, баъзан мол*

бозорида даллоллик қилиб кун кечириб келади. Газетадан.

2 Бирор ишда ёки кишилар ўртасида ноўрин воситачилик қилиш. *-Мен сизнинг даллоллигингизга зор эмасман! — Чарос кескин бурилиб юриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Аҳмад бригадир бунақа масалада бировга даллоллик қилмаслигини яхши биладиган Нусратбек ҳайрон бўлди.* С. Нуров, Нарвон.

ДАЛЛОЛЧИЛИК *айн.* **даллоллик**. *Мен билмас эканман, Иброҳим Пардаев якшанба бозорга чиқиб, даллолчилик қилиб турар экан.* «Гулдаста».

ДАЛОЙИЛХОНА [*а.* دلائل — «далил» сўзининг кўпл. шакли + хона] *тар.* **1** Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида саводи чиққан болалар қабул қилинадиган диний мактаб. *Мазкур қонунга асосан, мусулмон мактаблари домлалари ҳар йили алоҳида гувоҳнома олишлари ва бунинг учун мактаб, қорихона, далойилхона домласи 3 сўм 50 тийин.. солиқ тўлашлари зарур эди.* «Фан ва турмуш».

2 Расмий ҳужжат ва маълумот сақланадиган хона, жой; архив.

ДАЛОЛАТ [*а.* دلالت — кўрсатма; исбот, далил] **1** Бирор ишга ундаб, рағбатлантириб берилган маслаҳат, бирор ишга рағбатлантириш. *Далолат қилмоқ (этмоқ).* ▬ *-Келинг, бой ака, шу болани* [*қулбаччани*] *олинг, — деб жиддийроқ далолат қила бошлади даллол.* С. Айний, Қуллар. *Ҳатто паровоз механиги ўртоқ Турғунбой Усмонов ҳам далолат қилиб кўрди — фойдасиз.* «Муштум».

Далолати хайр Хайр ишига, яхшиликка ундаш, рағбатлантириш.

2 *эск.* Далил; далиллар; белги, аломат. *Ҳалиги эшитган сиримнинг далолатига қараб, Комилбекнинг қотили Ҳомид, деган фикрга тушдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лекин "хайр" — айрилмоққа далолат эмас..* М. Шайхзода, Йиллар ва йўллар.

Далолат бермоқ Хабар бермоқ, дарак бермоқ; гувоҳлик бермоқ; кўрсатиб турмоқ. [*Ражабовнинг*] *Ингичка қўли, умуман, кўриниши унинг нимжонроқ ўсганидан далолат бериб турар эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Унинг [Навоийнинг] бутун қиёфаси яхшилик истаб келган ҳар бир кишига катта яхшиликлар қила олишидан далолат беради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Юзидаги кулгичи аллақандай юмшоқ кўнгиллигидан далолат бераётганга ўхшайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ДАЛОЛАТНОМА [далолат + нома] Бирор бир фаолият, содир бўлган воқеа-ҳодиса ёки ҳолатни тасдиқлаш, унга гувоҳлик бериш мақсадида бир неча шахслар томонидан тузилиб имзоланган расмий ҳужжат; акт. *Аксар ҳолларда далолатнома олдиндан белгиланган қоидавий намуна асосида тузилади.* «Иш юритиш». *Хайрулла қалбакилаштириш йўли билан тузилган далолатномага.. сохта ёзувларни киритиб, ҳужжат тузади.* Газетадан.

ДАЛОН *шв. қ.* **долон.** *Бостирмали кенг далонда оти чиқарилган извош.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Катта дарвоза далонида ёмғирдан қочган шалаббо товуқлар қунушганча ғуж бўлиб турибди.* С. Аҳмад, Ўн иккидан иккинчиси.

ДАЛЬТОНИЗМ [инглиз олими Ж. Дальтон (Dalton) номидан] Рангларни ажрата олмаслик касаллиги.

ДАМ I [*ф.* دم — нафас, тин] **1** Нафас, тин. *Дамим қайтиб кетяпти. Дамимни ростлаб олай. Чуқур дам олинг.* ▬ *Жиндай дамимни ростлаб олай, уҳ.. ҳалиям оёғимнинг қалтироғи босилгани йўқ.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бахтингиз бор эканки, мендай қўли енгил, дами ўткир ромчига йўлиқдингиз.* К. Яшин, Ҳамза. *От пишқирган дамига Эрир тоғдаги қорлар.* «Ойсулув».

Дам солмоқ *этн.* Дуо ўқиб, "куф-суф" қилмоқ, куфсуфламоқ. *Кампир Авазнинг кўнглидагини билиб, дуо ўқиб, тупроққа дам солиб, сочди.* «Маликаи айёр». *Нури у кишига бориб, дам солдириб келади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дам урмоқ** 1) чуқур нафас олиб "пуф" демоқ, пуфламоқ; 2) *айн.* **дам солмоқ.** [*Домуллани*] *Отхонага бошлаб кирдим. Тақсир, мана бемор, дедим. Домулла кулди.. Кейин дуо ўқиб, отга дам урди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нормат сўфи бешиктерватдай лиқиллаб, ималарнидир пичирлаб ўқир, келинойисига дам урарди.* «Муштум»; 3) оғиз очмоқ, айтмоқ. *Дуч келганнинг лекин бири ҳам, Отанг — мен, деб уролмади дам.* Ҳ. Олимжон. *Ҳаммаси* [*полвонлар*] *нима қиларини билмай, бошини қашиб, биронтаси ҳам бораман, деб дам урмади.* «Зулфизар билан Авазхон». **Дами ичига тушиб кетмоқ** 1) нафаси қайтиб кетмоқ, нафас ололмай қолмоқ. *Машҳур артистнинг дами ичига*

тушиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ. *Яна дамим ичимга тушди. Бўрон нафасни бўғарди.* Ҳ. Назир, Муҳаббат; 2) жим бўлиб қолмоқ. [*Элмурод*] *Бир нафас дами ичига тушиб ўтирди-да, сўнг оғир бир энтикиб: -Ҳай, майли.. — деди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хўжа номини эшитиб, Ғуломжоннинг дами ичига тушиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 3) *кўчма* нима дейишини билолмасдан, оғзини оча олмай қолмоқ. *Бу — Исмат-хўжага айил ботди, шекилли, дами ичига тушиб кетди.* Ойдин, Ҳазил эмиш. **Дамига тортмоқ** 1) чуқур ва кучли нафас билан ичига тортмоқ, ютмоқ. *Қараса, қаттиқ бўрон кўтарилиб, аждар қизни ўз дамига тортаётганмиш.* «Олтин бешик». *Газнинг шамоли одамни дамига тортади.* П. Қодиров, Эрк; 2) *кўчма* ўз таъсирига олмоқ, илинтирмоқ. *Бизни илондай авраб, дамига тортаётганлар кимлар? — Нуъмон ҳожи, Мирҳайдар хўжа, Оқилхон тўралар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Дамини ичига ютмоқ** Гапирмасдан, жим турмоқ. *Бу ёқда қолган хотинлар дамларини ичларига ютиб, чурқ этмай туришипти.* С. Аҳмад, Уфқ. **Дамингни чиқарма** 1) нафасингни чиқарма; 2) ҳеч кимга айтма, гапирма, ғинг дема. *Бир маҳалладан бир қизни олиб қочишди. Бойваччанинг хизматкорининг қизи эмиш.. Дамингни чиқарма!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ишдан бўш вақт; ором, ҳордиқ. *Дам бермоқ. Дам олмоқ. Дам бермай югуртирмоқ. Дам олиш уйи.* ▬ *Эртага якшанба, дам олиш куни. Ўзбекистон баҳорининг гуркираган пайти.* Газетадан. *Соҳибжон дамини олиб, яна йўлга равона бўлибди.* «Зумрад ва Қиммат». *Ҳатто Шарофат билан икки марта дам олиш уйига борганмиз.* “Муштум”.

3 Бирор нарса ичига йиғилган, тўпланган ҳаво, газ. *Баллонга дам бермоқ. Дами чиққан баллон.* ▬ *..Аҳмад, дами чиққан пуфакдек, бўшашиб ўтириб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Илгари говмиш сигирнинг елинидек солиниб турадиган бағбақаси сўлган, дами чиққан пуфакдай шалвираган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Ошқозон ёки ичакда овқатдан пайдо бўлган ел, газ. *Хом ўрик қоринни дам қилар, Ғўр масала — бошга калава.* Мақол. ▬ *Янги узилган узум ични дам қилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

5 Тафт, иссиқ, ҳарорат. *Аммо ўзиям дамига ош пишадиган отахонлардан.* О. Ёқубов, Пьесалар. *Қиём чоғи эди. Қуёш дамини ғир-ғир эсган шамол кесар эди.* Ойбек, О.в.шабадалар.

6 *кўчма* Куч, зўрлик; шиддат. *Азимжон ўз ротасидаги жангчилар билан душманнинг дамини кесди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Азмкор халқнинг даҳшатли ҳамласи офатнинг дамини кесди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Қишнинг дами кесила бошлади.* Ойбек, Навоий.

7 *кўчма* Кибр-ҳаво; ҳовур. *Дамидан тушмоқ (қайтмоқ). Ҳали хомсан, пишарсан, бу дамингдан тушарсан.* Мақол. ▬ *Бугун Бухородан комиссия келганини эшитган бўлса керак, кечаги дами ҳам қолмаган.* С. Айний, Қуллар. *Ўринбой оғзидаги ошини олдирмайдиган, тутганини шарт кесадиган, дами баландгина кўринган эди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

8 Буғ, ҳовур, пар.

Дам емоқ Дамлангандан кейин ўз буғи билан етилмоқ. *Чой дам еди.* ▬ *Ош дам егунча, пиёла неча бор қўлдан қўлга ўтди.* С. Айний, Дохунда. *Ошпаз шийпон тагидаги тол тагида капгирни бошидан баланд кўтарди, бу ош дам еганлигига ишора эди.* Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

Дам емоқ Панд емоқ; бўш келмоқ, енгилмоқ. *Мақтанчоққа дам емасман.* Ҳабибий. *Бировдан дам емасман, сўзга полвон, қаҳрамонман дер.* «Муштум». **Дам турмоқ** Жим бўлмоқ, тинч, дим турмоқ. *Дам туринг, битди қулоқлар, лаҳза, жон қурбақалар.* Муқимий. **Дами ичида** Айтадиганини айтолмайди, тили қисиқ. *Райҳон қишлоқда, қизиникида турган кунларда Зумрадбибининг дами ичида бўлди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Тожибой.. қизининг йўқолганидан кўра одамлар ўртасида иснодга қолишидан қўрқарди. Эр-хотиннинг дами ичида, ундан-бундан сўраб суриштирайлик дейишса, гап-сўз тарқаб кетади.* С. Зуннунова, Гулхан. **Дами кесилмоқ** 1) гапи бўлинмоқ, сўзлай олмай тўхтаб қолмоқ. *У Валихонга изоҳ беришга астойдил тайёрланган эди, Валихоннинг қўл силтаб, рад қилганини кўргач, дами кесилиб, оғзини очганича, тек қараб қолди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Хуббибой.. ўзининг “йўқлигидан” шикоят қилиш учун оғзини жуфтласа ҳам, аммо бирдан дами кесилиб қолди.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) *кўчма* шиддати пасаймоқ, сусаймоқ. *Аммо бунда куёвнинг иштироки кўрилмай, шунинг*

ила менинг дамим кесилиб қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дамини кесмоқ** (*ёки* **қирқмоқ, қайтармоқ**) 1) қувватини кетказмоқ, таъсирини пасайтирмоқ. *Иссиқнинг ва ёғли овқатларнинг дамини кесиш учун ҳеч ким пиёладан, чойнакдан қўл узмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) таъзирини бермоқ, тарбияламоқ; олдини олмоқ. *Уларнинг фикрларича, кўпни кўрган муғамбир ва пишиқ домла ўқитувчи болани яхшилаб тузламоқда ва дамини қайтариб қўймоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу тадбир орқали айрим кўзбўямачи қаллобларнинг дамини қирқмоқчи бўлганлар.* Газетадан.

ДАМ II [*ф.* دم – бир нафаслик фурсат; лаҳза; вақт] **1** Он, лаҳза; кез, пайт. *Бахтли дамлар. Бир дам жим қолмоқ. Шу дамгача. Шу дамда. Чилла, ҳар дами тилла.* Мақол. ▬ *Бир дам ўзини йўқотиб, эсанкираб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Балки дўстлар даврасида Камим бўлмас ҳеч қачон. Лекин сени ўша дамда Қайдан топай, онажон.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *айр. боғл. взф.* Баъзан, гоҳ, гоҳо. *Йўлчи эртадан кечгача дам у экинда, дам бу экинда Қамбар билан бирга ишлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сув дам оқизиб кетади, дам четга отади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ДАМ III [*ф.* دم] Темирчиларнинг кўра ёки ўчоқдаги кўмирни ёндириш учун ҳаво юборадиган, чармдан ишланган асбоби. [*Фарҳод*] *Темирчидан бир кўра, бир дам сўраб олди.* "Фарҳод ва Ширин". *Бошқа бир мулланинг қорни ҳам темирчиларнинг дамидек катта экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Дам бермоқ (*ёки* **босмоқ**) Дам орқали ўчоққа, кўрага ҳаво юбормоқ. *Ўчоқнинг орқасидаги уйда икки киши зўр бериб, тўхтовсиз ўчоққа дам беради.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Акам мени тақачига топширди. Еганичганим бадалига эртадан кечгача дам босар эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДАМ IV [*ф.* دم] Чет, қирғоқ. *Иброҳимов оёғини ёзгани ўрнидан турди ва айвоннинг дамига бориб.. узоқдаги каптарранг тоғларга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДАМ V [*ф.* دم] Асбобнинг кесадиган, ўткир томони, тиғи; тиғ. *Пичоқнинг дами. Қиличнинг дами. Кетмоннинг дами.* ▬ [*Отабек*] *Ханжарини қинидан суғуриб олди-да, дамини ойдинга солиб боқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Раҳимберди.. катта кетмоннинг дамини эговлаб, хиргойи қилиб ўтирарди.* Х. Тўхтабоев, Шонли авлод.

Пичоқ дамича (*ёки* **дамидай**) Жуда юпқа. *Чўққиларнинг учи худди пичоқ дамидай чақнаб турипти.* С. Аҳмад, Жимжитлик. **Қилич дамида юрмоқ** *ёки* **қилич дамига оёқ қўймоқ** Хавфли, ҳалокатли иш қилмоқ ёки унга киришмоқ.

ДАМБА I [*голл.* dam – қирғоқлардаги кўтарма] Дарё, сой, сув ҳавзаси ёқаларига тупроқ, тош, шағал, бетон ва ш. к. дан кўтарилган тўсиқ, кўтарма. *Бўрон заптига олган пайтларда канал суви.. тупроқдан қилинган дамбаларни ўпириб юборгудек ваҳима солган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *..минглаб кишилар сувнинг йўлини тўсиш мақсадида ғовлар ва дамбалар қурдилар.* «Фан ва турмуш».

ДАМБА II *айн.* **тамба.** *Кейин дамба ўрнига узун занжир урилган кўча эшигини қия очиб, кўчага чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Татьяна ферма биноси ёнидан ўтиб, запас дарвозаларнинг дамбаларини кўтариб ташлади.* И. Раҳим, Ихлос.

ДАМБА III *шв.* Йўғон гавдали, қўпол семиз одам.

ДАМ-БАДАМ [*ф.* دمبدم – ҳар замон, тез-тез] *рвш.* Дам ўтмай, ҳар дамда, тез-тез. *Дам-бадам чақмоқ ялт-ялт қилади.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Дарвозадан дам-бадам мўралаб турган қизлар тапир-тупур қилиб, югуриб кетишди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ДАМБАЛАМОҚ *айн.* **тамбаламоқ**. *Ғуломжон кўча эшигини биратўла дамбалаб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кўча эшигини дамбалаш, отга беда солиш, ташқари эшигини занжирлаб келиш керак эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДАМ-ДАМ *айн.* **дам-бадам.** *Найлайин, бошимда бордир минг алам, Бағримнинг олови кўпаяр дам-дам.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ДАМГАР [*ф.* دمگر – дам берувчи, ҳаво ҳайдовчи] Темирчилик устахонасида дам бериб, оловни ёндирувчи хизматкор (*қ.* **дам** III). *Уста Шералининг дўконида ишлайдиганларга "босқончи", "халфа", "дамгар".. деб ном берилар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ДАМГАРЛИК Дамгар касби; дам босиш иши билан шуғулланиш. *Уч-тўрт ой хиз-*

маткорлик қилиб юргандан кейин Темиртош дамгарлик қилди. М. Осим, Ўтрор.

ДАМГИР [*ф.* دمگیر — нафас, дам олувчи] Ош яхши дам ейиши учун қопқоқни ўраб қўядиган махсус қалин дастурхон ёки мато. *..бу аёл дамгири янгигина олинган ошдан тотиб кўриб, бош ошпазга танбеҳ бераётган экан.* «Саодат».

ДАМДУЗ [*ф.* دمدوز — нафаси, оғзи боғлиқ] Кўнглидагини бировга айтмайдиган, кимсага сир бермайдиган; камгап. *Дамдуз одам.* ▬ *Қодир девкор эса қилт этмайди. Гапирмайдиям. Дамдуз бўлиб олган.* «Ёшлик». *Зарофат бундай ишларга чапдастликка чапдасту сал одамови, дамдузроқ.* «Ёшлик».

ДАМИДА, дамийда [*ф.* دمیده < دمیدن — «эсмоқ»; «пуфламоқ» фл. сфдш. шакли]: **дамида қилмоқ** Уфурмоқ, пуфламоқ; куфсуф қилмоқ. *Аммо бир ҳаромзода бангнинг тутунини оғзига йиғиб, баъдазон фақирға дамида қилур эди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Лоҳавлони.. ўқиб, ўзимизга дамийда қилиб, масжидга келиб қараймизки.. базми жамшиднинг устидан чиқиб қолибмиз.* «Муштум».

ДАМКА [*фр.* dame — хоним] **1** Шашка ўйинида: рақиб томонидаги энг охирги қаторга чиқиб олган ва истаган томонга юриш ҳуқуқини олган дона. *Дамкага чиқмоқ. Дамкани юрмоқ.*

2 *с.т. айн.* **шашка** I. *Дамка ўйнамоқ.*

ДАМКЎТА *шв.* **1** Ҳарсиллаб, тез-тез нафас оладиган одам.

2 Доимо йўталиб, йўтал тутиб юрадиган одам.

ДАМЛАМ: бир дамлам Бир марта дамлашга етадиган, бир бор дамланадиган. *Бир дамлам чой.*

ДАМЛАМА Дамлаб тайёрланган нарса (дори). *..унинг [бўзночнинг] дамламаси кўнгил айнишни, қусишни йўқотади.* «Фан ва турмуш». *Беморларга муайян ўтлардан уч хилининг дамламаси ичирилади.* «Фан ва турмуш».

ДАМЛАМОҚ 1 Бирор нарсанинг ичига ҳаво, газ юбормоқ; ҳаво, газ билан тўлдирмоқ. *Машина баллонини дамламоқ.* ▬ *..у [Султонқул] ориқ қўйларни олиб, уйида яширинча ўша қўйнинг орқа оёғидан тешиб, велосипед насоси билан дамлаб, таранг қилиб, хотинига етаклатиб бориб, "бўрдоқи" деб сотар экан.* С. Абдулла, Соялар.

2 Ошқозон ёки ичакда овқат ҳазм бўлиш жараёнида ел, газ тўпланмоқ. *Комбайнга илинмаган бошоқларни моллар еб, сув ичиб, кўпи дамлаб нобуд бўлиб кетди.* С. Нуров, Нарвон. *Йўқ, қорним унчалик дамламайди. Ҳа, гоҳи-гоҳида.* Н. Аминов, Қалтис ҳаракат.

3 Ҳовури чиқмайдиган қилиб бекитиб, паст оловда ўз буғида пиширмоқ, етилтирмоқ. *Палов дамламоқ. Чой дамламоқ.* ▬ *Пешиндан кечга қолманг. Мен ошни дамлаб, сизни кутиб ўтираман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нусратбек чой дамлаб келиб, чойнакни столнинг бир четига қўйди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Куннинг ўрталарига бориб, кампирнинг ўзи яхшилаб ош дамлади.* Мирмуҳсин, Умид.

4 Бўғмоқ, тўсмоқ. *Сув(ни) дамламоқ.* ▬ *Ғўзанинг эгатидан сувни тортиб, "пахтани дамлаб қўйишган" шу.. кунларда Бек аканинг аёли уйида бетоб ётган Хосият холанинг олдида бўлди.* С. Нуров, Нарвон.

ДАМЛАНМОҚ Дамламоқ фл. ўзл. н. *Ош дамланди. Сув дамланди.* ▬ *Шу куни завод чўяндан қуйиб берган катта қозонда ош дамланди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *..меъёрида етказиб дамланган хушбўй кўк чой Нусратбекка малҳамдек ёқди.* С. Нуров, Нарвон.

ДАМЛИК: бир дамлик Бир лаҳзалик, бирпаслик; оний. *Кўнглида уйғонган бир дамлик хавфсирашни қизиқиш ҳисси енгиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бир дамлик сукутдан кейин Жанна секин: "Юринг, ичкарига кирамиз, Умид ака", — деди.* Мирмуҳсин, Умид.

ДАМЛОҒЛИК 1 Ичига ҳаво, газ киритиб тўлдирилган. *Дамлоғлик баллон.*

2 Ўз буғида пишиб етилиши учун усти беркитилиб, паст оловга қўйилган. *Дамлоғлик ош. Дамлоғлик чой.* ▬ *-Қайнананг суяр экан, паловхонтўра дамлоғлик.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Вой, овораси нимаси, пошшахон, чойим дамлоғлик.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

3 Тўсилган, бўғилган (катта оқин сув ҳақида). *Пахтазорга келадиган сув кечадан бери дамлоғлик.* Сўзлашувдан.

ДАММАДАМ *с.т.* Дам-бадам.

ДАММАЛ *шв.* Бесўнақай, қўпол. *Даммал одам.*

ДАМОДАМ [*ф.* دمادم — дам-бадам, ҳар дамда] *рвш. кт.* Тез-тез, узлуксиз, ҳамиша.

Иссиқ. Дим. Ҳаво етишмайдигандай. Дамодам артинса ҳам, юз-кўзини тер босарди. С. Нуров, Нарвон. *Ўтлаб юрган кийик дамодам бошини кўтариб, атрофга қараб қўярди.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар.

ДАМСОЗ [*ф.* دمساز – ҳамдам, сирдош] Қалбан сирдош, ҳамдард, ҳамсуҳбат. *Йўлиққанда, менинг ҳолим билмадинг, Сен сирлашиб, менга дамсоз бўлмадинг.* «Муродхон».

ДАМТОВОҚ Дам едириш учун қозондаги палов устига ёпиладиган товоқ; дамгир. *Пиширилган палов жуда шўр бўлиб кетган бўлса, дамлаганда, гуручнинг бетига нон ёпиб, сўнгра дамтовоқни (дамгирни) боссангиз, ҳар ҳолда, шўри бирмунча қирқилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

ДАМЧЎП Палов дамланганда, унинг сувини текис буғлатиш учун ишлатиладиган, узунлиги 30-35 см., йўғонлиги бармоқдек таёқча.

ДАМҚИСМА Нафас қисиш; астма. *Абулвоҳид Фориғий дамқисма касалига мубтало эди, ўрнидан қўзғалиб, ҳансираганча сўз бошлади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ДАНАК [*ф.* دانک – мағизнинг қаттиқ қобиғи] **1** Баъзи этли мевалар (ўрик, шафтоли ва ш. к.) ичидаги қаттиқ пўчоқ ва мағиздан иборат уруғ. *Ўрик данаги. Шафтоли данаги.* ▬ *Табиат ўзи уста деҳқон. Меъёри билан данак ташлаган, меъёри билан уруғ сочган.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *Қаршида ўриклар аллақачон данак қотириб қолган, бу ёқларда бўлса, энди гуллаяпти.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

Ширин данак Данакнинг ажратиб олинган, сиртига шакар суртилган мағзи ёки қовурилган данак. *Умид Ҳафизани эскимо ва ширин данак билан сийлади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Бола, фарзанд. *Данаги ширин, данагидан мағизи ширин.* «Қанотли сўзлар».

Бошида (*ёки* **миясида) данак чақмоқ** *кам. кўлл. айн.* **бошида ёнғоқ чақмоқ** *қ.* **бош.** *Бизга қуллуқ қилган камбағал бошимизда данак чақсинми?* Ҳ. Пўлат, Танланган асарлар. *-О, Мастон, – деди Турғуной, – эрим миямда данак чақса ҳам, уйда ўтирганим бир давлат эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бошда икки букилиб, кейин миямда данак чақадиганидан шу тузук.* И. Раҳим, Ихлос. **Данагини чақмоқ** *кам. кўлл. айн.* **мағзини чақмоқ** *қ.* **мағиз.** *Абдуқодир улуғ халқ бошлаган азим ҳаракат ва кураш ҳақида чуқур ихлос ва ҳаяжон билан гапириб, воқеаларнинг данагини ўз билганича чақишга тиришар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

ДАНАКДЕК, -дай Катталиги данак ҳажмидай келадиган; ҳажми ва шакли данак каби бўлган. *Агар шу қизга кимда-ким данакдек тош отиб кўрсин, хонумонидан номнишон қолмайди.* К. Яшин, Ҳамза. *Данакдай хамиртурушдан бир тоғора хамир қилдиқўйди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Унинг иягидаги данакдек, жун чиққан холини айтмаса, чиройликкина хотин эди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Унинг қулоғида бриллианти данакдек келадиган зирак ялтирарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ДАНАКОР, донакор *фольк.* Воситачи, вакил. *Моманг донакор бўлиб ишни созласа, Ётарсан ойимнинг қордай бағрида.* «Гулихиромон». *Қабул қилгин, болам, шундай тўрани! Моманг данакор бўлиб келди орага.* «Гулихиромон».

ДАНГ: данг қотмоқ *айн.* **донг (қотиб) қолмоқ** *қ.* **донг** II. *Арслон жавоб тополмай, данг қотиб қолди.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Ашур Мирзо китобни очди-ю, данг қотиб қолди, кўзлари чаноғидан чиқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Данг қотиб ухламоқ (***ёки* **ётмоқ)** *айн.* **донг қотиб ухламоқ** *қ.* **донг** II. *Худойқул бостирма тагида тўқимни ёстиқ, шолчани кўрпа қилиб, данг қотиб ётар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қандибой оғанинг кигиз ҳиди анқиб турган ўтовида кун ёйилиб кетгунча данг қотиб ухлабмиз.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ДАНГАЛ 1 Раъй-андиша, юз-хотир қилмасдан, рўйирост, очиқ. *Дангал гап. Дангал айтмоқ.* ▬ *Зумрад пайтдан фойдаланиб, дангал гап бошлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Нуқсонларини дангал айт, хатоларини юзига сол, кўзи очилсин.* Уйғун, Навбаҳор. *Ота вазиятдан чиқишнинг йўлини қидира-қидира, дангалига кўчиб қўя қолди.* Э. Аъзамов, Жавоб.

2 Тортинмасдан, бемалол; қўрқмасдан, шиддат билан. *Аҳмад хона эшигини тақиллатди-да, дангал ичкарига кирди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бу дейман, йўли шунақамаску, хўжайин, дангал кириб келавермайсизми?* А. Муҳиддин, Нуқсонбой. *Шайх Назарбой нақибга ўқрайиб қараб қўйди-ю, дангал чўккалади.* С. Сиёев, Аваз.

3 Ростмана, чин кўнгилдан; самимий. *Халил ака аскиячиларга ўхшаб очиқ ва дангал*

куларди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бу ҳазилдан фақат Рисолат кулди. Дангал ва чиройли кулар эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ДАНГАЛЛИК Тортинмасдан, ортиқча мулоҳаза қилмасдан қилинадиган ҳаракат; дадиллик, шижоат. *Бу Алпомиш тахлит киши ўзининг ишчанлиги ва дангаллиги билан ажралиб туради.* «Шарқ юлдузи».

ДАНГАЛНИШИН [дангал + *ф.* نشين – ўтирувчи] Ўрта Осиё хонликларида жангларда алоҳида қаҳрамонлик кўрсатган кишиларга берилувчи рутба (унвон) ҳисобланиб, унинг эгаси хоннинг маслаҳатчиларидан бўлиб, ўз фикрларини ҳеч тортинмай, дангал айта олган.

ДАНГАЛЧИ Раъй-андишага бориб ўтирмайдиган, юз-хотир қилмасдан тўппа-тўғрисини рўйирост айтувчи, шартта гапирувчи. *Дангалчи одам.* ▬ *Аҳмад лўппи, қип-қизил башарасидан гўл кўринар, аммо тўғрисўз, дангалчи бола.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ДАНГАЛЧИЛИК *айн.* **дангаллик.** *Самадга Маъсуманинг дангалчилиги айниқса ёқди.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

ДАНГАНА 1 Бир қанча оилалар ўртасида навбат билан тайёрланган, тайёрланадиган ва тарқатиладиган умумий овқат.

2 Шерикчиликка бирор тирик мол (от, сигир, туя ва ш. к.) сотиб олиб, сўйиб, гўштини ўзаро тақсимлаш. *Амма-хола йиғилиб, дангана қилур. Бўлиб олишолмай, ҳангама қилур.* Мақол. ▬ *Ўтган куни Самад чол дангана қилармиш, деган гапни эшитгач, кўзи дарвозада бўлди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Агарда менинг отимни ўзгартирсаларинг, мен бир сигиримни дангана қилиб бераман.* «Эртаклар».

ДАНГАСА Меҳнат қилиб, ўзини қийнашни хоҳламайдиган; ишёқмас, танбал, ялқов. *Дангаса одам. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.* Мақол. *Дангасага булут сояси ҳам юк.* Мақол. *Ўтлоқда бедана кўп, Дангасада – баҳона.* Мақол. ▬ *Наҳотки у шундоқ дангаса бўлиб қолди? Китоб ўқишга қунти йўқ.* Мирмуҳсин, Умид.

ДАНГАСАЛИК 1 Меҳнат қилишдан қочишга одатланганлик. *Дангасалик қилган одам шафқат кутмасин.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Дангасалик – бу ёмон дард, бунинг номини ўзини-ўзи алдаш дейилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Дангасаларга хос хатти-ҳаракат. *Кўриб турибмиз: дангасалик, айёрликни билмайдиган йигитга ўхшайсиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шу куни, не балодир, дангасалигим тутди.* Ойдин, Ҳикоялар.

ДАНГ-ДУНГ *тақл. с. айн.* **данғ-дунғ.** *Амаки осма соатнинг данг-дунг зангига бир нафас қулоқ солиб турди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ДАНГИР-ДУНГУР *айн.* **данғир-дунғур.** *Аранг-аранг қулоғимга чилдирманинг дангир-дунгур қилган нағмаси кирар эди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. -*Қишлоғимизни бирров кўриб кетмоқчи эдим. Бу ердаги дангир-дунгурни кўриб ағрайиб қолдим, – деди Йигитали Иброҳимга.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ДАНДАНА, дандона I [*ф.* دندانه – тишга алоқадор; тишга ўхшаш] **1** Бирор асбоб-ускунанинг тишга ўхшатиб ишланган ва уланадиган қисми. *Муҳаммад Аваз ҳавоза зиналаридан тўппа-тўғри жанубий гумбаз учига кўтарилиб, усталар билан ғишткорлик қилди. Сўнг пештоқ тарафга ўтди, пештоқ гардиши учун дандона ташлади.* «Ёшлик».

2 Иморат, қўрғон, қалъа деворлари устига ёки четига ғиштдан ёки ёғочдан тишга ўхшатиб ишланган қисм. *Айвоннинг дандънаси.* ▬ *У* [*Собир темирчи*] *қозининг қаршисида дандана устида тиз чўкиб ўтирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ДАНДАНА II [*ф.* دندانه – тишсимон қисмга эга] *қ.х.* Тишлари бўлган мола; сихмола. *Энди менинг олдимда у ерга дандана, мола босиш масаласи турарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДАНДАНАДОР Тишга ўхшаган; тишли. *XIX асрда бунёд этилган қалъа деворлари кўплаб буржлар билан мустаҳкамланган, буржларнинг юқори қисми дандандор қилиб ишланган.* «Фан ва турмуш».

ДАНДОН [*ф.* دندان – тиш] **1** *кам қўлл. айн.* **тиш**. *Иш юришмаса, атала дандон синдирар.* Мақол. -*Ғам чекма, нон бўлиб, емоққа дандон бўлмаса, Чин мусибат будир: дандон бўлиб, нон бўлмаса.* Газетадан.

2 Фил тиши, фил суягидан ясалган. *Дандон (сопли) пичоқ.* ▬ *Туяларга.. олтин кўзалар, дандон сопли пўлат пичоқлар, олтин суви билан гул солинган эгарлар, Ҳиндистон доривор-зираворлари ортилган эди.* М. Осим, Элчилар. *Саидқул.. пичоқни қинидан чиқарди. Дандон сопли ўткир тиғ эди.* М.М.Дўст, Лолазор.

3 Шимиладиган, қаттиқ конфет тури (қоғозга ўралмаган ёки ўралган бўлади).

..қизалоқлар югуриб келишарди. Шакархон пистали ҳалво, дандон сочарди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ДАНДОНБОЗЛИК Сафсатабозлик; маҳмаданалик; гапбозлик. *Биз манманликни, дандонбозликни энг хавфли эскилик деб биламиз.* И. Раҳим, Меҳр кўзда. *-Мен сендан қоламанми, деган дандонбозликнинг оқибати шу.. — йиғлаб-йиғлаб гапирди кампир.* Ойбек, Улуғ йўл.

ДАНДОНСОП Сопи фил суягидан ёки умуман суякдан ясалган. *Ориф бува дандонсоп пичоғи билан анор сўйиб қўйди.* Мирмуҳсин, Умид. *Мўйсафид.. гулбанди ярқираб турган дандонсоп пичоғини қинидан суғуриб, менга узатди.* Ҳ. Нурий, Пахтакор уйлари.

ДАНҚА *шв.* Суюқлик қуйиладиган идиш; керосин идиши.

ДАНҒ: данғ қотмоқ 1) қўрқув ёки ҳайратдан эс-ҳушини йўқотиб қотиб қолмоқ. *Жуман билан Сангин иш кийимида, юз берган воқеани ҳали ҳам англаб етмагандай, данғ қотиб турар эдилар.* А. Мухтор, Туғилиш; 2) қаттиқ ухлаб қолмоқ. *Бола.. гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга югурар, кечалари ҳолдан тойиб, ҳориб, данғ қотиб ухлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДАНҒ-ДУНҒ *тақл.с.* Металл ва бошқа қаттиқ нарсаларнинг урилишидан чиқадиган физикавий товушга тақлид. *Данғ-дунғ қилмоқ.*

ДАНҒИЛ *шв.* Кенг, равон, данғиллама. *Данғил йўлда жавлонига жаҳон қойил, баракалла, Сиймосида аён бахти, ёрқин куни, чўнг келажак.* Миртемир, Асарлар.

ДАНҒИЛЛАГАН *айн.* **данғиллама.** *Данғиллаган иморат.*

ДАНҒИЛЛАМА 1 Керагидан ортиқ ҳашам берилган, ҳашаматли, кенг, катта. *Данғиллама уй. Данғиллама дарвоза. Данғиллама ҳовли. Данғиллама клуб.* ▬ *Чорбоғнинг ўртасида сойга қаратиб солинган, олдида ромли айвони, олти хонали данғиллама уйи бор.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ичкари-ташқарили данғиллама иморат, олди айвонли тўрт хона, яна ошхона билан тандирхона.* С. Айний, Дохунда.

2 Овозаси кенг тарқалган, дабдабали. *Бир ойдан кейин худди мана шу катта боғда данғиллама тўй бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тўй данғиллама бўлди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ДАНҒИЛЛАМОҚ Данғ-дунғ овоз чиқармоқ, данғир-дунғур қилмоқ. *Дахмазали деворий соат икки марта данғиллади.* А. Қаҳҳор, Таниш башаралар. *От чопса, данғиллар тоғнинг дараси, Қутулмоқлик бандининг муддаоси.* «Эрали ва Шерали».

ДАНҒИР-ДУНҒУР *айн.* **данғ-дунғ.** *Олдиндаги нортуя бўйнига осилган қўнғироқ данғир-дунғур чалиниб борар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *..аллақаёқдан данғир-дунғур чилдирма чалишиб келиб қолишди.* Р. Раҳмонов, Чакалакзордаги шарпа.

ДАОСИЗМ [*хит.* «дао» — қонун, тамойил] Қадимги Хитойда кенг тарқалган илғор фалсафий қарашлар тизими; шу фалсафадан келиб чиққан динлардан бири.

ДАПҚИР-ДАПҚИР *шв.* Тез-тез, ора-орада, вақт ўтказмай. *Ҳаялламай, дапқир-дапқир келиб тур, болам.* К. Яшин, Пьесалар.

ДАРА [*ф.* دره — тоғ оралиғидаги йўл; жарлик] Икки тоғ оралиғидаги узун, нисбатан тор, чуқур жой; жарлик. *От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси. Ботирни инградар найза яраси.* «Алпомиш». *Хотинларнинг кулгисидан Оғажон дараси жаранглаб кетди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Машина ўйдим-чуқур йўлаклардан ўтиб, энсиз дарага кириб борди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ДАРАЖА [*а.* درجه — босқич; мартаба, унвон; зина] **1** Иш-ҳаракат, хусусият ёки ҳолатнинг меъёри, чегарасини англатади; кўпинча аниқловчилар билан ишлатилади. *Трактор қулоқни қоматга келтирадиган даражада тариллаб ишлайди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Одамлар уйни бошларига кўтарар даражада хандон ташлаб, қаттиқ кулдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Отабек қизиқ ҳолатда қолди, бир турли титраб кетди, кўзлари қинидан чиқар даражага етди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Томоғи қирилар даражага етди.* «Шарқ юлдузи». *Улар [суратлар] орасида мукаммал даражага етганлари ҳам оз эмас.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Унинг хотираси ҳайратда қоларли даражада бой ва тиниқ эди.* Газетадан. *Дарсларнинг осон-қийинлик даражасини ўқувчининг ўзи аниқлагани яхши.* «Фан ва турмуш». *Боланинг йиғиси бу мотамсаро муҳитда юракларни тилка-пора қиларли даражада аянчли эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Унга шу даражада пул ваъда этилган эдики, бу пулга уч арава сотиб олиш мумкин эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Тадрижий ёки нисбий тараққиёт, ривожланиш поғонаси; савия, юксаклик ўлчами. *Билим даражаси. Турмуш даражаси. Техникани ҳозирги замон талаблари даражасига кўтармоқ.* ▬ *Бўш вақт ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражасига боғлиқ бўлиб, ўзи бу тараққиётнинг бевосита натижаси ҳисобланади.* «Фан ва турмуш». *Фан ва техника, саноат шу даражада тез тараққий этяптики, уни товуш эмас, ёруғлик тезлиги билангина қиёслаш мумкин.* Газетадан.

3 *эск.* Мансаб поғонаси, рутба, мартаба. *Анвар бош муншийлик даражасини олгандан кейин, махдум илгариги "сиёсат"ни давом эттириш ва эттирмаслик тўғрисида иккиланиб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Зарбоф тўн кийган, белига тилла камар боғлаган серсоқол эшикоға биринчи вазир даражасидаги катта бек эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Илм-фан соҳасидаги ишлари учун маълум қоидалар ва талаблар асосида бериладиган илмий унвон. *Илмий даража. Фан номзоди даражаси. Фан доктори даражаси.* ▬ *Илмий кенгаш кашфиётимни кўриб чиқиб, яхши баҳолабди ва менга медицина фанлари доктори даражасини беришга қарор қилибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Шу куни Умиднинг қишлоқ хўжалик фанлари номзоди даражасини олиши учун берилган яширин овоз натижаси эълон қилинди.* Мирмуҳсин, Умид.

5 Ўз ихтисоси бўйича эришилган малака поғонаси. *Ўрта даражадаги тиббиёт ходимлари. Бешинчи даражали пайвандчи.*

6 Жамиятда, ҳаётда, кишилар ўртасида тутган ўрин, мартаба, эътибор. *Даражалари баланд бўлсин!* (дуо, яхши тилак). ▬ *Ҳар ким ўз даражасига кўра ҳар вақт ўтирадиган ўрнида қарор топди.* Ойбек, Навоий. *Ҳовли юзига тўшалган шолча ва кигизларда иккинчи даражадаги одамлар ўтириши керак эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У ўтирганлар билан уларнинг амал ва даражаларига қараб, қуюқ-суюқ кўришиб чиқди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

7 Сира, карра, бор, марта. *Ўтиришдилар, фотиҳадан сўнг яна бир даража аҳвол сўрашилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Даҳшати юз даража ортган ҳолда Кумушни кўтариб олиб, ичкарига кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Онасининг лутф қилиб айтган сўзлари Бобурнинг ҳужрадан олган завқини яна бир даража оширди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

8 Бир оз, озгина, андак. *Ҳожи шу жавобдан кейин ўғлидан бир даража қаноатланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Биз юқорида ёш Хушрўй билан ўқувчини бир даражада таништирган эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анвар.. яхшигина форсихон ва бир даражада араб тилига ошна эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

9 *мат.* Бурчак ва айлана ёйининг ўлчов бирлиги; тўғри бурчакнинг 90 дан бир ёки доиранинг 360 дан бир бўлаги; градус. *70 даражали бурчак.*

10 *физ.* Термометр, барометр ва ш. к. ўлчов асбоблари шкаласидаги чизиқлар ва рақамлар билан белгиланган бўлимлар ҳамда шу бўлимлар ифодалайдиган ҳарорат миқдори. *Сув 100 даражада қайнайди. Бугун совуқ 20 даражага етган. Касалнинг иситмаси 38 даражадан ошибди.* ▬ *Ҳарорат ҳозир қирқ даражадан тушяпти.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Умуман бактерия.. 160-180 даража иссиққа чидайди.* «Фан ва турмуш».

11 *мат.* Тенг кўпайтувчиларнинг кўпайтмаси, бир соннинг ўзини ўзига кўпайтиришдан олинган натижа. *Ўннинг иккинчи даражаси юз.*

12 *тлш.* Белги-хусусиятнинг ортиқ-камлигини ифодаловчи грамматик категория, шакл. *Сифат даражалари. Озайтирма даража.* ▬ *"Даража категорияси" мақолачасида сифат даражалари бош даража, орттирма даража, озайтирма даража, деб учга бўлинади.* «ЎТА».

ДАРАЖА-БАДАРАЖА *рвш.* Тадрижий равишда, бир даражадан иккинчи даражага кўтарилиб, аста-секин. *Улар* [*ухлаган меҳмонлар*] *бир-бирлари билан ўчакишгандай, хурракни даража-бадаража оширишга тиришардилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДАРАЖАЛАМОҚ Даражаларга бўлмоқ, даражаларга ажратмоқ. *Термометрни даражаламоқ.*

ДАРАЖАЛИ 1 Маълум миқдордаги градусга эга бўлган; градусли. *Қирқ даражали иссиқ.* ▬ *Саҳро ёнмоқда, 42 даражали иссиқ. Барча нарса тинчиб қолган.* Газетадан.

2 Бирор даражага эга бўлган, эришган, бирор даража олган. *Биринчи даражали*

шофёр. Даражали олим. Иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени. ▬ *Биринчи дарвозанинг икки биқинида турувчи қоровул йигитлар Ўрданинг улуғ даражали бекларини таъзим билан узатар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қишлоқ хўжалик кўргазмасидан "Олтин медаль" ҳамда биринчи даражали диплом билан келди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 *тиб.* Хавфлилик даражаси жиҳатидан маълум ўрин олган. *Биринчи даражали куйиш.*

4 Маълум аҳамиятга эга бўлган (аниқлаб келувчи сўзлар билан). *Иккинчи даражали ишлар.* ▬ *Толанинг сифатини яхшилашни ўз олдимизга биринчи даражали вазифа қилиб қўйганмиз.* Газетадан. *Кичкинагина, кўримсиз дўкон очиб, бошқа, паст даражали патент олди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Иккинчи даражали бўлаклар *тлш.* Гапнинг бош бўлакларидан бошқа бўлаклари.

ДАРАЖАМА-ДАРАЖА *с.т.* Даражабадаража. *Унинг мансаби даражама-даража ошиб борди.* ▬ *..бундан кейин валентликнинг.. бошқатдан даражама-даража еттигача ошгач, яна нолга қадар тушиб қолганини кўрамиз.* "Кимё" дарслиги.

ДАРАК [*а.* درك – чуқурлик; хабар, огоҳлик] **1** Бирор ердан, бирор кимса, нарса ҳақида олинган хабар, маълумот. *Дарак қилмоқ. Дарак келмоқ.* ▬ *Исмоилдан ҳамон дарак йўқ эди.* «Ёшлик». *Қоронғи тушди ҳамки, Отахўжа акадан дарак бўлмади, Зумрад опа хавотир ола бошлади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Ғунча очган сўлим навбаҳор Кутганимдан келтирди дарак.* Миртемир, Асарлар.

Дарак бермоқ Билдирмоқ, огоҳ қилмоқ. *Тўғри, айрим далалар борки, кўнгилни ғаш қилади, хавф-хатардан дарак беради.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Дарак солмоқ** Хабарини билиш, маълумот олиш учун ҳар тарафга хабар тарқатмоқ; суриштирмоқ. **Дарак** (*ёки* **дарагини**) **топмоқ** Бирор нарса, ҳодиса тўғрисида хабар, маълумот эшитмоқ. *Отам шу куни.. хурсанд эди. Марғилонлик ҳожилардан дарак топибди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Отамнинг дарагин топмай, Соқибулбул ғамга тўлди.* «Маликаи айёр».

2 Бирор нарса ёки хусусиятдан далолат берувчи нишона, белги. *Ёшлик – ҳаёт, келажак. Ёшлик – қудратдан дарак.* Ё. Мирзо. *Оқ булутлар ферузаланган самода енгил сузади. Кузнинг дараги, деймиз буни.* Газетадан.

Дарак гап *тлш.* Хабар мазмунини билдирадиган гап. *Хабар, дарак мазмунини билдирадиган гап дарак гап деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиги».

ДАРАКЛАМОҚ Дарагини суриштирмоқ, дарак солиб қидирмоқ, ахтармоқ. *Даракламаган жойим қолмади. Бир ёқда онаси "боламни топ!" деб еган-ичганимни ичимга туширмайди.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Аваз Матпанони дараклаб, саҳар ҳужрасига борди.* С. Сиёев, Аваз. *Эрталаб Соҳибанинг кетиб қолганлигини эшитдим, дараклашга ботинолмадим.* «Ёшлик».

ДАРАКНОМА [дарак + нома] *кам қўлл.* Ёзма хабар, ёзма маълумот. *Бундай даракномалар кундалик топшириқларнинг бажарилмай қолиш сабабларини ўз вақтида аниқлашга кўмаклашади.* Газетадан.

ДАРАКСИЗ *рвш.* Дарак бермай, хатхабар қилмай, бедарак. *Даракссиз йўқолмоқ. Даракссиз кетмоқ.* ▬ *[Ҳасанали] Ухламай кутиб ўтирди. Аммо у [Отабек] тунги соат.. ўн иккида ҳам даракссиз эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир хўроз қичқириғи ўтганига талай вақт бўлса ҳам, ҳамон Раъно даракссиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ДАРАКЧИ 1 Дарак, хабар олиб келувчи ёки етказувчи; огоҳ этувчи. *Қалдирғоч – баҳор даракчиси.* ▬ *Бойчечак – баҳор даракчиларидан бири.* Газетадан. *Бу кулгусида заҳар бор эди, ёмон бир нарсанинг даракчиси эди.* «Ёшлик».

2 *тар.* Айғоқчи, жосус; агент. *Даракчининг айтишича, Искандар аскарларининг бир қисмини Сўғдиёда қолдириб, ўзи қишлаш учун Зариаспга [Балх яқинидаги шаҳар] жўнаб кетибди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ДАРАНГЛАМОҚ Даранглаган овоз чиқармоқ, бермоқ. *Девордаги осма соат даранглаб, тўққиз марта занг урди.* «Ёшлик». *Тунука том даранглаб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Челак қумга тушиб, енгил даранглаб, юмалаб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

ДАРАНҒ-ДУРУНҒ *тақл. с.* **1** Металл нарсалар урилганда ёки торли асбоблар бетартиб чалинганда чиқадиган овоз. *Энг сўнгги нортуянинг бўйнига осилган катта қўнғироқнинг даранғ-дурунғи Чингизхон элчиларининг етиб келганини ҳаммага эълон қилгудай бўлди.* М. Осим, Ўтрор. *Жанубдан, Қарши томондан Бухорога туя карвонлари*

қўнғироғини даранғ-дурунғ чалиб, қатор тизилиб ўта бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор. *Саломхонада чилдирманинг гижбанги авжга чиқди, дутор ва сеторларнинг даранғ-дурунғи, раққосаларнинг шўх кулгиси янгради.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 *кўчма* Ортиқ даражада шов-шув, овоза, дабдаба. *Даранғ-дурунғ тўй.* ▬ *Дастлабки йили [тўй] жудаям камайиб кетди. Бўлганларида ҳам ортиқча даранғ-дурунғ бўлмади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДАРАНҒЛАГАН 1 Даранғ-дурунғ овозга эга бўлган.

2 Ҳашаматли, данғиллама. *Даранғлаган уй.*

3 *кўчма* Дабдабали, овозали. *Мен даранғлаган номимга яраша иш кўрсатганим йўқ ҳали.* Ойбек, О.в.шабадалар.

ДАРАНҒЛАМОҚ *айн.* **дарангламоқ.** *Бутхона қўнғироғи кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун даранғлади.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. *Деворий соат даранғлаб, ўн бирга жом урганда, Саидий ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ДАРАХТ [*ф.* درخت – дарахт, ниҳол; бута] Тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб, томир отиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. *Мевали дарахт. Мевасиз дарахт. Олма дарахти.* ▬ *Дарахт шохларида илиқ томчилардан сесканиб уйғонган гўдак куртаклар табассум қилади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Деворлар бўйлаб ҳар хил мевали дарахтлар: шафтоли, олма, нок, олуча, жийда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бодом дарахти ер танламайди: тошлоқ, қумлоқ жойларда ҳам бемалол ўсаверади.* Газетадан.

ДАРАХТЗОР [*ф.* درختزار] Дарахтлар билан банд ер, майдон. *Режасиз дарахтзор – чангалзор.* Мақол. ▬ *Тегирмонни кўмиб ётган дарахтзор пастда худди самоварнинг саҳнидаги гулзорга ўхшар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Қайинзор икки йўлнинг ўртасида бўлиб, теварак-атрофдаги дарахтзорлардан анчагина баландликда эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ДАРАХТЗОРЛИК Дарахтлар кўп ер; дарахтзор.

ДАРАХТСИМОН Дарахтга ўхшаган, дарахтга ўхшаб тармоқланган. *Дарахтсимон ўсимта.* ▬ *Тармоқланиб кетувчи ўсимталар дарахтсимон ўсимта.. деб аталади.* Газетадан. *Каштан – қора қайиндошлар оиласига мансуб дарахтсимон ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ДАРБАДАР [*ф.* دربدر – эшикдан эшикка: уй-жойсиз; дайди] **1** Муҳтожлик туфайли эшикма-эшик юрувчи; (мажбурият орқасида ёки жаҳонгашталик мақсади билан) ўзга элларда ғурбатда кезувчи; овора, сарсону саргардон. *Дарбадар одам. Дарбадар кезмоқ (юрмоқ).* ▬ *Ахир, полвон шу одам касридан неча йил дарбадар кезди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Унинг офтоб ва шамолдан қорайган юзи дарбадар ҳаёт кечирганидан далолат бериб туради.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *кўчма* Бетартиб ҳаракат қилувчи; беқарор. *О, сен, дарбадар дарё, Бунчалар вазминсану бунчалар қув, ўжарсан!* А. Орипов.

ДАРБАДАРЛИК 1 Эшикма-эшик юришлик, дайдилик; саёқлик. *Шу дарбадарлик бир ерга олиб боради.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Мажбуран ўзга элларда кезишлик, сарсон-саргардонлик; мусофирлик ҳаёти. *Сиз Дилдорни бахтсиз қилдингиз, мени дарбадарликка мажбур қилдингиз.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шоир қайтар эди дарбадарликдан, Устибоши юпун, яланғоч эди.* Х. Даврон, Тўмариснинг кўзлари. *У йигитлигини дарбадарликда ўтказиб, Андижондан Бухорогача пиёда кезган, тарашадай қотма Юсвали чол эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДАРБАНД [*ф.* در – эшик; дара + بند – берк, мустаҳкам] Табиий тўсиқ, ғов; тоғ орасидаги ўтиш қийин бўлган тор йўл. *Кўрарсан, жонивор, сонсиз парини, Неча баланд дарбанд тоғлардан ошиб.* «Муродхон». *Ирғитиб неча дарбандни, Бедовларни ярқиллатди.* «Эрали ва Шерали».

ДАРБОЗ *айн.* **дорбоз.** *Элмурод станица четидаги бир тегирмон сув оқадиган ариққа ташланган икки ходачадан дарбозлардек енгиллик билан ўтди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ДАРБОЗА *айн.* **дарвоза.** *Филбонга ошна бўлсанг, Дарбозангни катта қил.* Мақол. ▬ *Бир вақтда ҳалиги Ҳотам тўра дарбоза орқасига келиб, "ким" деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАРБОЗАБОН *айн.* **дарвозабон.** *Ҳой Ҳусайнбек, дарбозабонларга югур, ҳозир турсинлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАРБОЗАБЕГИ *айн.* **дарвозабеги.** *Дарбозабеги югуриб, қўрғон деворига чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАРБОЗИЙ [*ф.* دربازی] Халқ меъморчилигида хона шифтини тўртбурчак ва кўпбурчакли кесик пирамида шаклида ясашнинг бир тури.

ДАРБОН [*ф.* دربان – эшик, дарвозани кузатиб турувчи, дарвозабон] **1** *тар.* Қалъа, сарой дарвозасини кузатиб турувчи, дарвоза қоровули; дарвоза посбони. *Арк дарвозаси олдида амир дарбонлари, зарбоф тўнли қушбеги ва бошқалар саф тортиб турардилар.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Дарбоннинг чеҳраси ёришди ва дарҳол эшикни очиб берди.* Газетадан.

2 Бадавлат хонадонларда, айрим муассасаларда эшик олдида турувчи шахс; дарвоза қоровули; швейцар. *Ресторан эшиги ёнидаги серсоқол дарбон чол унга писандсиз назар ташлади.* Ҳ. Темиров, Хиёбондаги одам.

ДАРБОР [*ф.* دربار – подшоҳ саройи, даргоҳи] **1** *тар. эск.* Хон ва беклар саройи; боргоҳ. *..солиқчиларнинг барчаси хурсанд бўлиб, карвонбошини дарбордан иззат ва ҳурматлар билан узатдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Олий даргоҳ. *Мактаб – у фан ўчоғи, кўп азиз дарбор, Биз илмнинг қалъасин олмоққа келдик.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

ДАРВЕШ, дарвиш [*ф.* درویش – қашшоқ, гадо] **1** *дин.* Тарки дунё қилган, гўшанишинликка берилган одам; суфий. *Дамашқ шаҳрида бир карвонсаройнинг дарвозахонасида сочлари оқарган баланд бўйли бир дарвеш ўтирар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Балки бирор бобом шаҳаншоҳ ўтган, Балки вужудимда дарвеш қони бор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ҳув тортади хонақоҳнинг дарвеши.* «Ҳасанхон».

2 *кўчма* Ҳеч нарсаси йўқ, қашшоқ, гадо. *Зеро, халқ шундай бир дарёйи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур.* Ойбек, Навоий. *Кўз очиб юмгунча, дарвешнинг олдида анчагина танга йиғилди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Ҳеч нарса билан иши йўқ, ўтакетган содда ва сипо одам. *Шоир қизиқ халқ-да, ҳақиқий дарвеш бўлади.* Шукрулло, Сайланма.

ДАРВЕШВАШ *айн.* **дарвешсифат, дарвешнамо.** *У.. чиндан ҳам дарвешваш одам эди.* Ў. Ҳошимов, Навбаҳор.

ДАРВЕШЛИК Дарвеш ҳолатида бўлиш.

ДАРВЕШНАМО [*ф.* درویشنما – дарвешга ўхшаш] Дарвешларга ўхшаган, дарвешларча иш тутувчи; дарвешсифат. *Дарвешнамо киши.* ▬ *Эшикда қари фаррош ҳожи Солиҳ пайдо бўлди. У дарвешнамо, камтарин, хаёлчан киши эди.* Ойбек, Навоий.

ДАРВЕШНАМОЛИК Дарвешларга хос ҳаракатга, хусусиятга эгалик. *Собирнинг кўринишида қандайдир дарвешнамолик, муқаддаслик борга ўхшарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ДАРВЕШОНА [*ф.* درویشانه – дарвешларча] 1 *сфт.* Дарвешларга хос бўлган, дарвешларникига ўхшаган; дарвешларча. *Унинг бурушқоқ маҳсисидан бошлаб оддий салласига қадар дарвешона эди.* Ойбек, Навоий. *Ғарибий дунё ишларидан қўл ювиб, Самарқандда дарвешона умр кечирарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *от этн.* Кўпинча баҳор фаслида қишлоқларда ва шаҳар маҳаллаларида айни ҳудудлар аҳолисидан тўпланган пул ёки озиқ-овқат ҳисобига ўтказиладиган хайрия маросими.

ДАРВЕШСИФАТ [дарвеш + сифат] Дарвешларга ўхшаш, дарвештабиат. *Дарвешсифат одам.* ▬ *..у табиатан дарвешсифат эди.* Ойбек, Навоий.

ДАРВЕШТАБИАТ *айн.* **дарвешсифат.** *Улар: «Бу дарвештабиат киши экан", – деб менга жавоб берди.* «Ойсулув».

ДАРВИНИЗМ Жонли табиатнинг тарихий ривожланиши, ҳайвонот турлари ва ўсимликлар организмларининг табиий танланиш йўли билан пайдо бўлиши ҳақидаги инглиз олими Ч. Дарвин таълимоти. *Дарвинизм – органик оламнинг тараққиёт қонуниятини ифодалайди.* «Фан ва турмуш».

ДАРВОЗ *айн.* **дорбоз.** *Улар.. ерда ётган Георгийнинг икки оёғи устига қоринларини қўйиб, дарвоз ўйнашади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ДАРВОЗА [*ф.* دروازه – икки табақали катта эшик] **1** Шаҳар, қўрғон, қалъа, ҳовли ва ш.к. га кириладиган икки табақали катта эшик, қопқа. *Тахта дарвоза. Темир дарвоза.* ▬ *Дарвозанинг бир табақаси очиқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тонгда, қалъа дарвозалари очилган ҳамон Аваз йўлга тушди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кун чошгоҳга яқин Отабек сарой дарвозасидан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Шаҳар дарвозаси 1) *тар.* атрофи мустаҳкам қилиб ўралган шаҳар қопқаси. *У Хивага бориб етгунча, шаҳар дарвозаси ҳам беркилиб қолган.* Ойдин, Гулсанам. *Қипчоқлар бизнинг томондан отилган милтиқ ўқларига чидолмай, Самарқанд дарвозасини ташлаб, Камолон дарвозасига юзландилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) шаҳарнинг ана шундай қопқасига ёпишган, ёндош маҳалла ёки маҳаллалар.

2 Каналларда сувни тўсиш ёки қўйиб юбориш учун ишланган махсус қурилма; қопқа. *Қани, канал дарвозасини очиб юбор.*

3 *спрт.* Футбол, хоккей ва ш.к. ўйинларда майдоннинг рақиб йўллаган тўпни (шайбани) киритмаслик учун ҳимоя қилинадиган чекли қисми. *Пахтакорчилар рақиб дарвозасига учта тўп киритдилар.* Газетадан. *"Динамо" хоккейчилари рақиб дарвозасига бешта шайба уриб, ғалабага эришдилар.* Газетадан.

4 *кўчма* Имконият. *Бир дарвоза бекилса, Минг дарвоза очилади.* «Халқ дурдоналари».

5 *кўчма* Сезги, сеза олиш имкони. *Ҳислар учун яралмиш етти дарвоза.* У. Исмоилов, Сайланма.

6 *кўчма* Бошланиш, эришиш, етишиш йўли. *Гўзаллик дарвозасининг йўли — латофатда.* Газетадан. *Бобомнинг бу сўзлари менга ажойиботлар оламининг дарвозасини кўрсатиб, калитини яшириб қўйгандек туюлди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

Бахт дарвозаси Бахт йўли, бахтга эришиш имконияти. *У сени севмайди. Бахтинг очилишига овора бўлма, бу уйда сенга бахт дарвозаси берк.* И. Раҳим, Ихлос. **Билим дарвозаси** Билим олиш йўли, билим ўчоғи. *Мактаб — билим дарвозаси, яъни фақат билим олиш йўлини кўрсатиб беради, холос.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Дарвозаси кенг** (*ёки* **очиқ) одам** Меҳмондўст одам. *Эй Ҳабибий, ёру дўстларга очиқ дарвозамиз. Халқпарвар, бағри кенг, ҳимматда беандозамиз.* Ҳабибий. *Ҳимматли бўл, очиқ бўлсин дарвозанг, Илмингни соч, чиқсин баланд овозанг.* Ҳабибий.

ДАРВОЗАБЕГИ *тар.* Шаҳар дарвозаларини назорат қилиб, идора этувчи мансабдор. *Азизбек, қаршисида қўл боғлаб турган дарвозабегига бақирди: -Нега қараб турасан, дарвоза устига чиқ, ким экан у ит!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАРВОЗАБОН [дарвоза + *ф.* بان — қаровчи] **1** *тар.* Шаҳар ёки хон саройи дарвозасининг қоровули ёки соқчиси. *Ҳирот дарвозаларига дарвозабонлардан ташқари яна отлиқ сарбозлар қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Дарвозабон бекни таниб, қўл қовуштирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *спрт.* Дарвозани ҳимоя қилувчи ўйинчи. *Дарвозабонни алдаб ўтиб, тўпни дарвозага киритмоқ.*

ДАРВОЗАБОНЛИК *спрт.* Дарвозани ҳимоя қилувчи ўйинчи вазифасини бажариш. *Бир вақтлар Мансур ҳам ўртоқлари билан шу майдонда футбол ўйнар.. дарвозабонлик қилар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДАРВОЗАХОНА [дарвоза + хона] Ҳовли дарвозасига ёпишган ёки унинг тепасига қурилган усти ёпиқ жой. *Мингбоши дарвозахонада ҳовучларини бир-бирига ишқаб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бўри ака машинани асфальт ётқизилган дарвозахонага ҳайдаб кирди.* С. Нуров, Нарвон.

ДАРВОҚЕ [*ф.* درواقع — ҳақиқатан, дарҳақиқат] *рвш.* **1** Ҳақиқатан, чиндан, чиндан ҳам. *Дарвоқе қишлоқ ҳаётида катта ўзгаришлар қилишга пайт келмадими?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дарвоқе бул мулоҳаза дуруст чиқди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

2 *крш с. взф.* Айтмоқчи, айтгандай. -*Ҳа, дарвоқе, — деди Қудрат, бир нарса эсига тушгандай.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *[Бой Ғофирга:] Дарвоқе, Ғофир, келинга айт, хизмат-пизмат қилиб турсин.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ДАРВОҚЕАН *крш. с. айн.* **дарвоқе**. *Дарвоқеан, қозон қайнаб турмаса, мажлиснинг қизимаслигини бой афанди.. яхши билурлар.* Ҳамза. *Ҳа, дарвоқеан, Мулларўзи аълам сизга ҳеч нима дедими?* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ДАРГОҲ [*ф.* درگاه — эшик; эшик остонаси] **1** Подшоҳ арки ва саройи; боргоҳ. *Кампир Холчаойни подшоҳнинг даргоҳига олиб борибди.* «Эртаклар».

2 Уй-жой, ҳовли, маскан. *Мана, Мулладўст! Сизга сабр қилинг десам, хафа бўласиз. Бизнинг даргоҳимиздан ҳеч ким қуруқ қайтмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 Хонадон; оила. *Қизим Гулнор шундай улуғ даргоҳга тушса ёмонми?* Ойбек, Тан-

ланган асарлар. *Кейин ўқиёлмади: катта даргоҳ, бола-чақа, қозон-товоқ.. Қолиб кетди!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

4 *кўчма* Хизмат, фаолият соҳаси, ўрни; ишхона. *Маориф даргоҳи.* ▬ *Эрта тонгдан қалблари пок, ўйлар, орзулари лим-лим қизлар, аёллар севимли даргоҳлари — Бухоро зардўзлик фабрикасига ошиқадилар.* “Саодат”. *Маълумки, ҳар бир олим илм даргоҳига кимгадир эргашиб келади.* «Фан ва турмуш». *..ёш муаллифлар шеърият даргоҳига ўзларининг маълум бир услублари, овозлари билан кириб келяптилар.* Газетадан.

5 *кўчма* Нажот топиладиган, паноҳ бўладиган жой. *Ер юзида шуҳратли, машҳур даргоҳ ўзингсан. Элу юртга қудратли, мангу паноҳ ўзингсан.* Я. Қурбон. *Кавказ, кимларга сен иқбол даргоҳи, Кавказ, кимларга сен қатағон диёр.* А. Орипов, Йиллар армони. *Тошкент катта шаҳар, даргоҳи кенг.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 *дин.* Сиғиниладиган муқаддас жой. *Асқар ота.. иккала қўлини кўтарди: -Илоҳи омин!.. Худоё худовандо, шу ёшга кириб, даргоҳингдан ҳеч нарса сўраган эмас эдим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Даргоҳингга имоним билан бораётганимга гувоҳ бўл.* «Ёшлик».

Даргоҳида қабул қилсин *ёки* **худо** (*ёки* **олло**) **ўз даргоҳида қабул қилсин** Худо қабул этсин, ижобат қилсин. *Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳида қабул қилди. Дадаси, энди тузукман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ДАРГУМОН [*ф.* درگمان — гумонли, шубҳали] *рвш.* Гумонли, шубҳали, аниқмас; билиб бўлмайдиган. *Бу гапларнинг амалга ошиши узоқ ва даргумон бўлса ҳам.. нимадир келажакка умид туғдирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Урушдан соғ қайтаманми, йўқми — буниси даргумон.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Бориши даргумон, — деди Абдуҳафиз..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДАРД I [*ф.* درد — касаллик; озор, алам; руҳий азоб] **1** Жисмоний азоб; оғриқ, касаллик. *Оғир дард. Дард кўрмоқ. Дардга чалинмоқ. Дардни яширсанг, иситмаси ошкора қилади.* Мақол. *Дард чекмаган дори қадрини билмас.* Мақол. *Танаси бошқа дард билмас.* Мақол. ▬ *Кечга томон дард кучайиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Худои таоло ҳар бир дардга бир даво яратган.* Ойбек, Танланган асарлар.

Дард кўрма *ёки* **қўлинг дард кўрмасин** Қўли гул ижрочига, ўз касбининг устасига яхшилик тилаб айтиладиган ибора. *Бу насиба сизга. Сара буғдой. Қўлингиз дард кўрмасин, оға.* С. Сиёев, Аваз. **Дардини олмоқ** «Ўргилиб кетай, айланай, соғу саломат бўлинг» маъноларида. *Дардингизни олай, бойваччам. Бу йил, ўзингизга маълум, об-ҳаво паст келиб, деҳқончиликдан барака қочди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Руҳий азоб, ғам-ғусса, алам-ҳасрат. *Айрилиқ дарди. Дардида ёнмоқ (куймоқ). Дардини ичига ютмоқ.* ▬ *[Фотима домлага:] Менинг ҳеч жойим оғримайди, фақат ишқ дардим бор, уф!* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси. *Ниҳоят, дардим юрагимдан тўлиб-тошиб, баъзи гапларни эримга айта бошладим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юрагимнинг дардлари Қизил гулдай қатма-қат, алла.* «Бойчечак». *Мен кимга йиғлайман, дардимни ёриб.* «Ширин билан Шакар».

3 *кўчма* Кишининг борлиғини, бутун фикри-ёдини банд этган нарса, иш, ташвиш, орзу, хаёл ва ш.к. *Унинг дарди — ўйин. Бирор нарса дардида юрмоқ.* ▬ *Шоирлик бу — улкан дард.* Шукрулло, Сайланма. *Мирзажон кўнглида шоирлик дарди билан туғилган бола.* П. Турсун. Ўқитувчи. -*Сиз нимани билардингиз, дардингиз пул, — деди Зумрад ойисига.* Ойбек, Зумрад. *Солиҳ Пўлатович шогирдларининг дардини яхши тушунарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Қадрдонингиз Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек бир неча кунлардан бери бениҳоя бир дард билан оғрир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Дарди бедаво *қ.* **бедаво. Дарди ичида** Дардини айтай деса, тили қисиқ. **Дард устига чипқон (чиққандек)** Буниси етмагандай, устига устак. *Бола беш ёшида қаттиқ касалга учраб, икки кўзи кўр бўлиб қолди. Дард устига чипқон чиққандек, кўп вақт ўтмай, у ота-онасидан ҳам жудо бўлди.* Н. Ёқубов, Қалб кўзи билан. *Шербекнинг юраги ғаш эди. Лекин тергов дард устига чипқон бўлиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Дард қолмоқ** Ноилож қолмоқ, доғда қолмоқ. *Бир оз ақлга ён бериб иш қилган киши ҳеч бир вақт дард қолмайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кузда чуқур шудгор қилинган ер деҳқонни дард қолдирмайди.* Газетадан.

4 *кўчма* Фикру хаёл; армон, эзгу мақсад. *Унинг [Алиевнинг] қалби ҳамиша халқ қу-*

вончи, халқ дарди, халқ орзу-ҳислари билан ёниб, оловланиб туради. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Элбекнинг ҳам ўзига яраша дарди, севгиси, орзуси бор эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Дардинг мактаб очишгинами десам, ҳали бу ёқда гап катта экан-у!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 *кўчма* Ишқ, муҳаббат. *Лайли дардида чўл кезиб юрган Мажнуннинг изтиробларига ёз ҳолати мутаносиб эди.* Газетадан. *Зевархон Маликаи Ҳуббоннинг дардида юрган эди.* «Баҳром ва Гуландом».

ДАРД II [*ф.* درد] Койиш сўзи. *Али десанг, бали дейди, ўл десанг, дард дейди.* ▬ *Баҳрининг ранги бўзариб, қўлидан пичоқ тушиб кетди. -Нима бўлди, опажон? -Дард!* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *..Энди ҳақимни ҳеч кимга бермайман. "Дард!" деса, "ўл!" деб тура бераман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДАРД-АЛАМ Қайғу-ҳасрат ва улар қолдирган асорат, таъсир. *Бечора канизлар дард-аламларини ўйин-кулги билан чиқарар, ғамларини шу билан ёзардилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Яқиндаги дард-аламларни эслади. Хомушланди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ДАРДАРАК Дариллаб овоз чиқариши учун варракнинг эгма чўпи ичига ёпиштирилган қоғоз. *Шабада варракнинг дардарагидан чиқаётган овозни олиб келади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Менинг ташвишимни варрак қилсам, сизларники унга дардарак ҳам бўлолмайди.* «Муштум».

ДАРДДОШ [*ф.* درداش – ҳамдард] Бировнинг дардига шерик бўлувчи; ҳамдард, сирдош. *Навоий минбарда туриб, бир туйғу, бир ҳаяжон билан жим қотган халққа дарддош кўзларини югуртириб чиқди.* Ойбек, Навоий. *Менинг дардим-дарддошим, илинжим, кўнгил тинчим.. сиз-ку!* Миртемир, Асарлар.

ДАРДДОШЛИК Кимсанинг ғаму қайғусига шерик бўлишлик. *Аҳмад Ҳусайн қизни чуқур диққат билан тинглади, юраги унинг ғами билан тўлди ва қиз отасининг қамалиш сабабини дарддошлик билан сўради.* Ойбек, Нур қидириб.

ДАРДИ-ДУНЁ: дарди-дунёси қоронғилашмоқ (*ёки* **қоронғи бўлмоқ**) Дунёдан, ҳамма нарсадан воз кечгудай хафа бўлмоқ; руҳий тушкунликка тушмоқ. *Дарди-дунёси қоронғи бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушган йигит [Олимжон] қишлоқдан бош олиб кетмоқчи бўлиб юрганда, яна [раис Солижон] жонига ора кирди.* Ҳ. Назир, Қанотлар. *[Зуҳранинг] Дарди-дунёси шундай қоронғи эдики, кулги ҳам ёқмасди.* Р. Файзий, Балли, она қизим. *..унинг бу таклифи дарди-дунёси қоронғи бўлиб юрган Пўлатга ёқинқирамади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ДАРДИСАК [*ф.* دردسک] Сакта касаллиги. *Буви Ҳилолнинг дардисак касали бор экан.* «Гўрўғли».

ДАРДИСАР [*ф.* دردسر – бош оғриғи] **1** Ортиқча ташвиш, дахмаза; бош оғриқ. *Кийимларни чамадонга бир амаллаб сиғдирди-ю, оқ кийимлар дардисар бўлди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Тағин, бу қиз менга дардисар бўлар экан, деб хавотирланманг, ўз кучим билан имтиҳон бераман.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

2 Бош қотирадиган, машаққатли иш. *Аҳмад Ҳусайн адабиётни мақтаб кетди: -Орзуларим бор, журналист бўлишни истайман, – деди, – лекин дардисар тирикчилик тўсқин.* Ойбек, Нур қидириб. *У ҳар куни бир дардисар ишни ўйлаб чиқаради.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ДАРДИҲОЛ [дард + ҳол] Аҳволни баён қилиш; шикоят, норозилик. *Ҳаққуловнинг дардиҳол қилгани одамлар орқали қўшилиб-чатилиб, Нусратбекнинг қулоғига етди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ДАРДКАШ [*ф.* دردکش – дард тортувчи, азоб чекувчи] **1** Узоқ вақт касалланиб ётган; дардманд. *Унинг [Нигоранинг] қаршисида.. ҳафталаб, ойлаб касалхона каравотида қўзғалмай ётган.. бир дардкаш инсон турар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Дард-аламга дучор бўлган; дард-алам кўрган; аламли. *Полвон ўзини эркинроқ ҳис қилди, олдида бика эмас, оддий бир дардкаш, мазлума бир аёл.. ўтиргандай бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Севимли газетамиз дардкашларга ҳамдард эканлигини яхши билганимдан ушбу мактубни ёзаётирман.* Газетадан.

3 Кимсанинг ғами, қайғусига шерик бўлувчи, биргаликда қайғурувчи; ҳамдард. *Дардим кўп, дардкашим йўқ менинг.* К. Яшин, Ҳамза. *Дилфузанинг кўнгли яримта эди. Уйда дардини эшитадиган дардкаши йўқ эди.* «Ёшлик». *Айниқса, эру хотин иноқ, бир-бирига дардкаш, меҳр-оқибатли бўлса, бундан ортиқ бахт йўқ.* Газетадан.

ДАРДЛАШМОҚ Бир-бирига кўнглидаги ғаму ташвишларини, қайғу-ҳасратини изҳор қилмоқ, ҳасратлашиб кўнгил ёзмоқ, ҳасратлашмоқ. *Кошки у ҳам Йўлчига ҳамроҳлик қилган бўлса, у билан дардлашиб, ғамларига шерик бўлиб.. у билан бирга тепалар, жарлар ошса.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз билан бир дардлашиб, юрагимни бўшатиб олмоқчиман.* «Муштум». *Эргаш билан Йўлдош узоқ дардлашиб ўтирдилар. Эргаш жуда эзилган, чўккан эди.* А. Мухтор, Чинор.

ДАРДЛИ 1 Дард, касаллик аломати бор; хаста, касал. *Дардлининг дардини дардсиз на билар.* Мақол. ▬ *Унинг ранги касал одам каби дардли.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ғам-алам чеккан, дард-аламга гирифтор бўлган. *Дардлиман, дардимни кимга ёраман.* «Рустамхон». *Гулнора ая жавдираб турган дардли кўзларини ерга тикди, кўк шойи кўйлак ичидаги нимжон кўкси бир кўтарилиб қўйди.* О. Ёқубов, Диёнат.

3 *кўчма* Дард, алам билан тўлиб тошган; ғамли, аламли. *Бу дардли ҳаётда Гулнорга ягона бахт — Йўлчининг синглиси Унсин бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шокир ота Йўлчининг бошида чўкка тушиб, ўзининг оғир дардли, чуқур ярали қалби билан узоқ йиғлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Дард-аламни ифодаловчи; ғамли, мунгли. *Гулнор.. секин, майин, дардли овоз билан ашула бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бақатерак шапалоқ-шапалоқ баргларини қарсиллатиб садо берар, чинорлар дарёдай шовуллар.. мажнунтоллар эса нозик оҳанг билан дардли куйлар, йиғлар эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ДАРДМАНД [*ф.* دردمند — оғриқли, касал; ғамгин] Касалланиб турувчи, касаллик асоратлари бўлган; касалманд. *Дардманд киши.* ▬ *Дардманд бўлгандан кейин, дард устига дард келаверар экан.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Улар яқиндагина касалдан бош кўтарган дардманд кишиларга ўхшардилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Жон қизим, дардманд онангга раҳминг келсин.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *айн.* **дардкаш.** *Фарзанд учун ота-онадек яқин, қадрдон, дардманд, ғамхўр киши йўқ.* М. Исмоилий, Фарзандлик бурчи.

3 Дард-алам чеккан, қайғули. *У [Ҳожимурод] туғилиб, эсини танигандан буён.. нималар қилди? Одамдек яшадими? Бирон дардмандга дардкаш бўлдими?* С. Аҳмад, Жимжитлик.

4 *кўчма* Ошиқ. *Дард эса ишқинг, бўлай мен Бир умрга дардманд.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

ДАРДМАНДЛИК Хасталик, касалмандлик. *Зиё ака ажабланиб деди: -Қандай дардмандлик? Отабек соғ-ку!* А.Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳожар опа шу топда ҳамма нарсани: ўзининг дардмандлигини ҳам, болаларнинг отасиз — етимлигини ҳам унутган.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ДАРДНОК [*ф.* دردناک — оғриқли, азобли; касал] **1** Дардли, хаста. *Паранжи балосидан дарднок чеҳрангизни пажмурда кўрмоқ биз бўстони маърифат аҳли учун мусибатдир.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ошиқ они билки, эрур дарднок, Ҳам тили, ҳам кўнглию ҳам кўзи пок.* «Ёшлик».

2 Қайғули, мунгли. *У Руқиянинг юзига тик қаради, кейин ўпкаси тўлиб, дарднок жавоб берди.* К. Яшин, Ҳамза. *“Пешраво диёр” деган узун ва дарднок ноласини чала бошлади.* А. Мухтор, Чинор.

ДАРДСИНМОҚ Бир оз дард тортиб синиқмоқ. *Шу чоқ аёл юзига боқдим, Турар эди маъюс, дардсиниб.* Сайёр.

ДАРД-ФАЛОКАТ, дарду фалокат Дард ва фалокатлар, кулфатлар, мусибатлар. *Бу сув қишлоқнинг бутун дард-фалокатини, бутун қашшоқлигини ювиб кетаётгандай, ҳамма шод-хуррам эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДАРДЧИЛ 1 Тез-тез касал бўлиб турадиган, салга касал бўлаверадиган. *Комил баайни ойдинда уйқусираб юрадиган дардчил одамдай.. мавзе элликбошисининг орқасидан боғини айланиб чиқди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Отам қариб қолди, онам дардчил қолганлигини ким билади?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кўкарган тақдирда ҳам дардчил бола сингари жонсиз ва ранги сариқ бўлади.* Ҳ. Олимжон.

2 Дард тортиб заифлашиб қолган, дардга чалинган. *Не-не умидлар билан олинган ер, болалари ёш ва Анзират холанинг ўзи дардчил бўлгани учун, экувсиз қолиб, қўриққа қўшилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Жўра дардчил, ориқ, ювош бола эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

3 *кўчма* Қайғули, ғамли, мунгли. *-Мен бўлсам отам тугул, онамни ҳам эслай ол-*

майман, — унинг овози дардчил қалтиради. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Аҳмад Ҳусайн кулди, кейин дардчил хўрсинди.* Ойбек, Нур қидириб.

ДАРД-ҲАСРАТ, дарду ҳасрат Дарду ғамлар, ташвишлар. *Гўё қалбидаги бутун севгисини, айтмоқчи бўлиб юрган дард-ҳасратларини гапирди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ҳаддин ошди нотавон кўнглимда дарду ҳасрати.* Ҳабибий. *Кейин дард-ҳасрати, ишқи ва умид-орзулари билан тўлиб, секин юриб кетди.* Ойбек, Нур қидириб.

ДАРЁ [*ф.* دريا — катта сув, денгиз] **1** Манбаидан қуйилиш жойи томон табиий ўзандан доимий равишда оқиб турадиган катта сув. *Зарафшон дарёси. Азим дарё. Дарё суви. Дарё бўйи. Ўтирган — бўйра, юрган — дарё.* Мақол. *Томчи тошиб бўлгунча, дарё оқиб бўлар.* Мақол. ▬ *Пастликда Чорвоқдан фаввора бўлиб отилиб чиқаётган сув дарё ҳосил этиб, олға боряпти.* Газетадан. *Кечаси дарё шунақа чиройли бўладики, Канизакхон!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Кўп миқдордаги нарсалар ҳақида. *Хаёл дарёси.* ▬ *Ботир ёрим, биламан, сиз қайғу дарёсига мендан чуқурроқ ботдингиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамлар дарёси.. янги шаҳар томонга оқарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қуёш ботган. Лекин унинг олов дарёси турли ранглар билан товланиб, чексиз бир парда каби уфқларда мавжланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Дарё бўлмоқ 1) оз-оздан қўшилиб, кўпайиб, дарёга айланмоқ. *Оз-оздан ўрганиб, доно бўлур, қатрадан кўпайиб, дарё бўлур.* Мақол. *Бирлашган дарё бўлур, Тарқалган ирмоқ бўлур.* Мақол; 2) *кўчма* жўшмоқ; тўлиб-тошмоқ. *Кўз ёши дарё бўлиб оқди.* ▬ *Юрагим дарё бўлиб Тошди севинч қирғоғидан.* Ё. Мирзо. **Дарёдан бир томчи** Қолган қисмига нисбатан жуда оз. *Дарёдан бир томчи, Тўнғиздан бир тук.* Мақол. ▬ *Бу айтганларим дарёсидан бир томчигина!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Юраги дарё** *айн.* **юраги кенг** *қ.* **кенг.** *Ҳамманинг юраги сеникига ўхшаган дарёми?* Ойдин, Фарҳодлар. *Бунча юрагингиз дарё бўлмаса, жаврайвериб жағим толди, ё ҳа, ё йўқ, демайсиз.* «Муштум».

3 *кўчма* Битмас-туганмас; бой; кенг. *Тақсиримнинг илмлари жуда дарё, ўзлари Бухорода хатми китоб қилганлар!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Худойимнинг бир дарёси ғазаб бўлса, минг дарёси раҳмат.* Ҳамза, Танланган асарлар.

4 *эск. айн.* **денгиз.**

Шўр дарё *ёки* **Дарёйи шўр** Каспий денгизи. *Бу арғумоғингиз билан Дарёйи шўргача етасиз.* Ойбек, Навоий.

5 *кўчма* Бойлик, хазина. *Санъаткор халқ тили дарёсидан ўринли фойдалана олса, бир қатраси билан серзавқ, анча бақувват гуллар кўкартира олади.* «ЎТА».

6 *кўчма* Ўтиб кетувчи, ўткинчи. *Ҳайҳот! Ёшлик, болалик бир дарё — оқди-кетди. Минг афсус.* К. Яшин, Ҳамза.

7 *кўчма* Оқим, кечмиш; тарз. *Оқибатда турмуш дарёси истаган томонга оқизди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳамма нарса ўз йўлидан борар, ҳаёт дарёси уни ўзининг ўйноқи тўлқинларига миндириб, ҳамон олға сурарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДАРЁ-ДАРЁ Жуда кўп, беҳад кўп. *Ўз тарихий байрамини тантана қилган халқ Тошкент кўчаларидан дарё-дарё бўлиб, янги шаҳарга томон денгиз бўлиб борар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бирам ялинди, бирам ёлворди, урманг, тавба қилдим, деб йиғлади, кўзларидан дарё-дарё ёш кетди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДАРЁДИЛ [*ф.* دريادل — юраги дарёдай кенг: сахий, олиҳиммат; шижоатли] Бағри кенг, мурувватли. *Меҳнат кузагининг тўйин файзидан Қолмагай дарёдил эрлар бебаҳра.* Ғ. Ғулом.

ДАРЁЧИ Дарё транспортида ишловчи ишчи ёки хизматчи.

ДАРЖ [*а.* درج — ёзиб қўшиб қўйиш; рўйхат]: **дарж этмоқ** Қайд қилмоқ; ифодаламоқ, ёзиб қўймоқ. *Бир чеккада чордона қурган, ўнг тиззасига қоғоз қўйиб, ўнг қўлида қалам ушлаб турган мунший фармони олийни дарж этди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Ҳарбий мухбир жанг жараёнини кузатади, ўзига таъсир этган воқеаларни қаламга олади ёки ён дафтарига дарж этади.* М. Жўра, Ноширнома.

ДАРЗ [*ф.* درز — чок, чандиқ; тор тирқиш] **1** Ёриқ, ёрилган. *Дарз ойна. Дарз кетмоқ.* ▬ *У [чойхоначи] зинғиллаб бориб, бир чойнак чой билан дарз пиёлани Алижоннинг олдига дўқ этиб қўйиб кетди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 Ёрилган жой; ёриқ. *Дарз бўлмоқ.* ▬ *Ичкаридан қилт этган товуш эшитилмас, фақат эшик дарзидан.. қинғир чироқ ёруғи*

тушиб турар эди. Ж. Абдуллахонов, Йўл. *..кичик дарз катта кемага ҳам ҳалокат келтиради.* Мирмуҳсин, Умид. *Олимов бу ўсимликларнинг уруғи шамолда учиб келиб, тошларнинг дарзларига жойлашишини, ундаги намлик ва тузлардан уруғ озиқланиб ўсишини тушунтира кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Дарз кетмоқ Бирор куч, ҳаракат таъсирида путур етмоқ, зарбага учрамоқ, бузилмоқ. *Шу кундан бошлаб уларнинг турмуши дарз кетди.* С. Аҳмад, Сув оқиб кетди. *Дўстлик тори жуда нозик бўлади, салгинага дарз кетиши мумкин. Дарз кетдими — тамом.* Газетадан. *Бино дарз кетса, тузатса бўларкан. Айтинг, айтинг, виждон дарз кетмасин экан.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДАРИЙ [*ф.* دری < دره‌ی — тоғ, дарага мансуб: дарада яшовчилар тили; кейинчалик: сарой тили] Форсий; янги форс тили. *Бу термин [«дарий»] фанда «форсий» ва «форсии дарий» терминлари билан бир маънода ишлатилади ва у билан ҳозир "янги форс тили" деб аталувчи тил ифода этилади.* «ЎТА».

ДАРИЧА [*ф.* دریچه — эшикча; дераза; тешик] **1** *юқ. усл. айн.* **дарча.** *Отабек қайтиб келиб, дарича остига ўтирган ҳам эди, Ҳомиднинг шу сўзини эшитиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сувга қаранг, ўйнаб-ўйнаб оқади; Ерга қаранг, даричадан боқади.* «Қўшиқлар».

2 *кўчма* Бирор нарсага (севгига, озодликка, орзуга) йўл, имконият. *Кўнгил даричасин очиб қўйинглар, Ғуссали дилда ҳам кулади баҳор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Пастқам кўчадаги қалин девордан Умид даричасин очар Жўрақул.* С. Акбарий, Кўнгил оҳанглари.

ДАРИҒ [*ф.* دریغ — афсус, ҳайф] *айн.* **дариғо.** *Дорга қараб, Эралихон йиғлаб: -Э дариғ, шунинг тагига қоним тўкилар экан-да, — деб афғон қилиб сўзлагани..* «Эрали ва Шерали». *-Во дариғ! — деб Тоҳирнинг отаси оғир уҳ тортди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Дариғ тутмоқ (*ёки* **этмоқ**) Аямоқ, ҳайф деб билмоқ. *Каромат опа ўзининг меҳр-муҳаббатини ҳеч кимдан дариғ тутмади.* «Саодат». *Чорлар сени интиқ вужудим, Оғушингни дариғ тутма, Бахт!* «Ёшлик». *Ардоқлагин бургут боласин, Ёш кўзлардан уни дариғ тут.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

ДАРИҒО [*ф.* دریغا — э афсус, э аттанг] *унд. с.* Эй дариғ, ҳай аттанг, афсус. *Дариғо, айрилиб қолдим ул ой юзли нигоримдан.* Хуршид. *Дариғо, Фурқатий, беилм қолдим, Ўзимни жаҳл зиндониға солдим.* Фурқат.

ДАРКОР [*ф.* درکار — керак, лозим; яроқли] *мод. с.* Керак, зарур. *Минг ишчига бир бошчи даркор.* Мақол. ▬ *Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод, Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм!* Ҳамза. *Хуш кўрдик, азаматлар. Биздан не хизмат даркор?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДАРМАНА [*ф.* درمنه] Мураккабгуллилар оиласига мансуб, ўқ илдизли доривор ўсимлик ва ундан олинадиган гижжага қарши дори.

ДАРМАНАЛИ Дармана ўсган, ундан тайёрланган дори мавжуд бўлган. *Эрманали уйда эр ўлмас, Дарманали уйда дард бўлмас.* Мақол.

ДАРМИЁН [*ф.* درمیان — ўртада, ўртасида] *қ.* **девор-дармиён.** *Боқижон зўр таажжубда қолди, дарров девор-дармиён қўшнисига кириб суриштирди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Келдим ўз юртимга девор-дармиён, Булбулдек Ёркентга қурдим ошиён.* С. Абдулла, Асарлар.

ДАРМОН [*ф.* درمان — дори, даволаш воситаси] **1** Тирик организмдаги энергия-қувват, мадор, куч. *Қалам кучи фармон билан, Қилич кучи дармон билан.* Мақол. ▬ *Мана, хотиним ётиб қолди, ёстиқдан бошини кўтаришга дармони йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мени ўзингдай бақувват деб ўйлайсанми? Дармоним йўқ, болам, дармоним.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

Дармони келмоқ Кучи, мадори етмоқ. *Дард кетди, дармон келди.* Мақол. ▬ *Бозор имомнинг ҳурмати учун ёстиқдан бош кўтармоқчи бўлди, бироқ дармони келмади.* С. Айний, Дохунда. **Дармони** (*ёки* **дармондан) кетмоқ** Кучсизланмоқ, бемадор бўлмоқ. *Дард келганда дармон кетар.* Мақол. ▬ *Оқсоқолнинг тиззасидан дармони кетиб, супа четига ўтириб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Танамдан кетди дармоним, Куйиб кетди устухоним.* «Гулнорпари». **Дармони қуримоқ** Куч-қувват, мадордан кетмоқ, мадорсизланмоқ. *Орифжоннинг дармони қуриб, ўзини ёстиққа ташлади.* С. Аҳмад, Сайланма. **Дармон** (*ёки* **дармонга) кирмоқ** Аҳволи, соғлиғи яхшиланиб, куч-қувватга кирмоқ, тетиклашмоқ.

Сал дармонга кирсангиз, яхши бўларди. Узлукиб қолмайсизми? С. Зуннунова, Гулхан. *Шукур, анча дармонга кирдим.* С. Анорбоев, Оқсой. **Дармон олмоқ** Куч йиғмоқ, дам олиб, аҳволи яхшиланмоқ. *Эҳ.. кўркам оромгоҳнинг Қучоғида кўп жонлар. Янги ўқув йилигача Қувнаб олур дармонлар.* Т. Тўла.

2 *кўчма* Ёрдам, кўмак; руҳий мадад. *Августда ғўзага қуйилган сув ҳосилга дармондир.* Газетадан. *Икки оғиз илиқ сўзинг уларга бир йил дармон бўлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Чора, илож; даво. *Дард берган дармонини ҳам берар.* Мақол. *Дардини яширган дармон топмас.* Мақол. ▬ *Дардига дармон қидирдим, ёргинам бир боқмади.* У. Исмоилов, Сайланма. *Гоҳ шифо топамиз биз дорулардан, Гоҳо муҳаббатдан излаймиз дармон.* А. Исмоилов, Югурик нур.

ДАРМОНБАХШ [*ф.* درمان‌بخش – дармон, қувват бағишловчи] Куч-қувват киритадиган; дорилик хусусиятига эга. *Вахш водийсида ажойиб бир боғ бор. Меваси дармонбахш.* Газетадан.

ДАРМОНДА [*ф.* درمانده – бахтсиз; ҳимоясиз; кучсиз]**: дармонда бўлмоқ** (*ёки* **кетмоқ, қолмоқ**) Ҳайрон бўлмоқ; иложсиз қолмоқ, қийин аҳволга тушмоқ. *Армонда қолсанг ҳам, дармонда қолма.* Мақол. ▬ *Онахоним Ширин армонда кетган, Замон йўл бермаган, дармонда кетган.* Ҳабибий. *Аваз дармонда бўлиб, отга минмай.. отини етаклаб, орқасига қараб кетаверди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

ДАРМОНДОРИ Жисмоний қувват бахш этувчи дори, витамин. *Олмада А белгили дармондори ва анча миқдорда С белгили дармондори бор.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Олимларимиз сабзавот ва мевалар таркибида 30 хилдан ортиқ дармондорилар мавжудлигини аниқлаганлар.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Тугмачадек иккита дармондорини илимсиқ чой билан устма-уст ичди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ДАРМОНСИЗ Куч-қуввати кетган, ҳорғин, кучсиз. *Қиз жуда озган, юзи сарғайган эди. Кўзлари ҳорғин, ўзи дармонсиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Рихсивой ака қуёш ботмасданоқ даладан чиқди, уйига келиб, ўзини дармонсиз сезди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ДАРМОНСИЗЛАНМОҚ Куч-қуввати кетиб, ҳолдан тоймоқ; кучсизланмоқ. *Ўзининг ҳам оёқ-қўллари боятдан бери дармонсизланиб, ғайришуурий тарзда титраётганини шу асно пайқаб қолди.* «Ёшлик». *Ер ҳам чарчайди, тупроқ қатламидаги ўғитлар камайиб, дармонсизланади.* Газетадан.

ДАРМОНСИЗЛАШМОҚ Дармони, куч-қуввати кетиб, тобора бўшашмоқ. *Баъзи хотинлар иккиқат бўлганда, дармонсизлашади, бошлари оғрийди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДАРМОНСИЗЛИК Мажолсизлик, куч-қувватсизлик ҳолати. *Гулнор ўрнидан қўзғалди, дармонсизликдан оёқлари титраб, пастга тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўкпиёз дармонсизлик билан кечадиган касалликларга даво ҳисобланади.* Газетадан.

ДАРОЗ [*ф.* دراز – узун; узоқ давомли] **1** Баланд бўйли, новча, бўйчан. *Дароз одам. Дароз терак. Ақлли пакана аҳмоқ дароздан яхши.* Мақол. ▬ *Содиқжон йигирма ёшлардаги дароз, оғиркарвон, камгап йигит.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Кун ботиб қолгани учун болаларнинг бўйи дароз кўринади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Лекин бу ҳовлидаги чучмомалар жуда дароз, поялари сип-силлиқ ва оқ.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

Дароздан келган Новча, бўйдор. *Дароздан келган, яғриндор Тимофей узун ва бақувват қўллари билан Шералини қучоқлади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Узундан-узоқ, узун. *Айта берса барча нутқин, Бўлажак сўзи дароз.* Шайхзода. *Сидқи билан қип эдим сизларга ихлос, Ўғлимнинг умрини дединглар дароз.* «Эрали ва Шерали».

Дастини дароз қилмоқ Имкониятини оширмоқ, қўлини узун қилмоқ. *Беш миллион сўмлик имтиёзли қарз унинг ишонч ва қатъиятини оширди. дастини дароз қилди.* Газетадан.

ДАРОЙИ I [*ф.* درایی – занг; қўнғироқ; шокила], **доройи** Эртапишар қора рангли узум навларидан бири. *Ишкомда қоп-қора даройи узумлар осилиб турибди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ДАРОЙИ II *айн.* **доройи**. *Даройи рўмол. Даройи кўйлак.* ▬ *Оғагинам дарахтга ялмашади, Даройи кўйлак-иштон ярашади.* «Халқ дурдоналари». *Даройи кўйлак кийиб, тут қоқаман, Душманлар ўлган куни гул тақаман.* «Халқ дурдоналари».

ДАРОМАД [*ф.* درامد – кирим; фойда; бошланиш, ибтидо] **1** Савдо-сотиқ, меҳнат,

ишлаб чиқариш соҳаларидан давлат ёки айрим шахслар ҳисобига келиб тушадиган соф пул ва бошқа хил тушумлар; кирим. *Бир кунлик даромад. Давлат даромади. Миллий даромад. Даромадга қараб буромад.* Мақол. *Унумли меҳнат — катта даромад.* Мақол. ▬ *Тўғрилик, ҳалоллик туфайли топилган даромад оилага бахт келтиради.* «Саодат». *Ўзбекистон шароитида асаларичилик яхши даромад берадиган соҳа ҳисобланади.* М. Тўйчиев, Асаларичилик. *Даромадга яраша буромад деганларидек, тўй ҳам шунга қараб жуда дабдабали ўтди.* «Муштум».

Даромад солиғи Ҳамма турдаги даромаддан олинадиган давлат солиғи. **Даромад тақсимоти** Хўжаликларда йил бўйи олинган даромадни меҳнатга қараб тақсимлаб чиқиш. *Иш сентябрнинг охирларида бошланиб, даромад тақсимотига яқин тугади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Даромад тақсимотидан кейин келин билан куёвнинг иши жуда кўпайиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Муқаддима, кириш. *Гапнинг даромади.* ▬ *Гапнинг даромади тугаб, энди буромадга кўчди, шекилли,— ўйлади чол.* «Муштум». *Шу орада эртакнинг даромади тугаб, Қосимахон сув париси ҳақида гапира бошлади.* М.М. Дўст, Галатепа қиссаси.

3 Бирор мақсадни англатиш учун шу мақсад атрофида узоқдан бошланган гап. *-Шунақа қилиб, Нарзини ҳам юбормоқчимисиз? — деди кампир, дарров гапнинг даромадини пайқаб.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *..домланинг сўз даромадига қараганда, сизни ўзига куёв қилиш фикри борга ўхшайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Онахон Ҳақназарова даромад қилиб ўтирмасдан, шартта шу янги гигант объектни олишни таклиф қилди.* Газетадан.

4 Бирор жойга кириладиган йўл, эшик, йўлак. *Уйларнинг даромади ва деразалари кўчадан кўринади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Агар ҳужра даромадига эшик қуриладиган бўлса, қоронғи бир қабр, яна ҳам тўғриси, дахма ҳолига киради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ДАРПАРДА [*ф.* در — эшик + پرده — тўсиқ; ёпқич] **1** *тар.* Ойна ўрнига шаффоф қоғоз ёпиштирилган дераза. *Бой.. менга янги усулда ўқитишни ман қилди, болаларнинг қўлидаги алифбе китобларини тортиб олиб, дарпардадан улоқтириб ташлади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Навоий чодирнинг дарпардасини кўтарди.* «Ёшлик».

2 Дераза ёки эшик пардаси. *Чарос дарпардани суриб, деразани очди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Эшқувватов мийиғида жилмайиб, Эҳсоннинг ёнидан ўтди, дарпардани тортиб, ойнага қаради.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ДАРРА [*ф.* درّه — қайиш қамчи] **1** *тар.* Хон-амирлар даврида жазога маҳкум этилган кишиларни савалаш учун қайишдан ўриб ёки тикиб ясалган қалин энли қамчи. *Захзиндонларда дарра еб, баданлари қаварган.. бегуноҳ кишилар, пок дийдалар ётар эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Зум ўтмай бир ўрам чилвир билан тўрт энлик қалин дарра олиб чиқди.* С. Сиёев, Аваз.

Даррага ётқизмоқ Дарра билан жазолаш учун ётқизмоқ, ётқизиб дарра билан урмоқ, дарраламоқ. *Бенамозлардан бирини даррага ётқизиб, ҳадеб уни урмоқда эдилар.* «Муштум». *Менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўндаланг келадиган виждон бор, диёнат бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Халқ ўйинларидан бири ва шу ўйинда ютқазган кишини уриш учун рўмол ёки белбоғдан эшиб қилинган қамчи, арқонча.

3 *кўчма* Куч, қурол; восита. *Замонавий қизиқчилар кўпроқ эскиликнинг кишилар турмуши ва тушунчасидаги кўринишларини сатира дарраси билан аямай савалайдилар.* М. Қодиров, Ҳажв, ханда ва қаҳқаҳа.

ДАРРАЛАМОҚ Дарра билан урмоқ.

ДАРРАЛАТМОҚ Дарраламоқ фл. орт. н. *Мингбоши, ҳоким кетгандан кейин, Ғуломжонни дарралатмоқчи ҳам бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДАРРАНДА [*ф.* درّنده < دریدن — «пора қилмоқ», «парчаламоқ» фл. ҳоз. з. шакли] **1** Сутэмизувчи йиртқич, ваҳший ҳайвонлар. *Даррандаларнинг айримлари, сариқ юмронқозиқ ва суғурлар қиш ва ёзда узоқ уйқуга кетади.* «Фан ва турмуш». *Тухуми қуриб кетган, қуруқда яшовчи судралиб юрувчилардан дарранда калтакесаклар диққатга сазовордир.* «Зоология».

2 *кўчма* Ёвуз, йиртқич. *Янчинг ўз ичида дарранда зотин, Гитлернинг балойи ногиҳонларин.* Ғ. Ғулом. *Дарранда душманлар сержаҳл, асабий, Кучанар деворни синдирай дея.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

ДАРРАСОЛДИ *этн.* Болалар ва ўсмирларнинг ўйинларидан бири.

ДАРРОВ [*ф.* دررو – кетувчи, қочувчи, йўқолувчи] *рвш.* Қисқа вақт ичида, тезлик билан; кўп вақт ўтмай ёки ўтказмай; дарҳол. *Гавҳар унга бир қаради-ю, дарров кўзларини яширди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Феълим шундоқ: бир лов этиб ёнаман-у дарров ўчаман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қурбон ота ўзини дарров тутиб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДАРС [*а.* درس – сабоқ; маъруза] **1** Таълим муассасаларида илм, маълумот бериш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулотлари, сабоқ. *Дарс олмоқ. Дарс бермоқ. Дарс қилмоқ (тайёрламоқ).* ▬ *Насиба дарсда экан, айтдим, ҳозир, дарс тамом бўлиши билан келади.* А. Қаҳҳор, Саодатнинг қиссаси. *-Қизлар дарсларини тайёрлашганми? – қайин онасига қаради Саодатхон.* С. Зуннунова, Олов. *Яқинда синфдан ташқари дарс ўтамиз.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 *кўчма* Ҳаётий тажрибадан келажак учун чиқарилган фойдали натижа, ибрат, сабоқ. *Бу унга яхши дарс бўлди. Рост айтдим – дарс айтдим.* Мақол. ▬ *Сенга менинг берадиган дарсим бор, Икки оғиз сўзлагани эдим зор.* Ҳ. Олимжон.

Шайтонга дарс беради *қ.* **шайтон 2**.

ДАРСЛИК Фаннинг бирор соҳаси бўйича ўқувчилар ва талабалар учун мўлжаллаб ёзилган китоб. *Она тили дарслиги. Тарих дарслиги.* ▬ *Китоб жавонининг ўнг ёнбошида этажерка, унда Нодиранинг дарсликлари..* С. Зуннунова.

ДАРСХОНА [дарс + хона] *эск.* Дарс ёки машғулотлар ўтиладиган хона; аудитория. *..падари марҳум.. дарсхонада ёлғуз қолғон фурсатларида чой қуйдириб ичганларидан воқиф эрдим.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Афғон офицерлари машқ хоналарида ва дарсхоналарда бўлдилар.* Газетадан. *Дарсхона музлаб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

ДАРХОН, тархон [*мўғ.* – темирчи; озод киши] *тар.* Солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (қабила, уруғ, зот ёки мансабдор). *Мен Гўрўғли, элда беклигим дархон.* «Интизор». *Энди сенга тимсол айтай бир алвон, Мен кетганча, ўзинг Чамбилда дархон.* «Маликаи айёр».

Дархон этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) Муайян иш, мансаб ёки жисмоний меҳнатдан озод қилмоқ; бўшатмоқ. *Бош вазирни мансабидан дархон этолмаслигини Исфандиёр билади.* С. Сиёев, Аваз. *[Ўктам:] Қийинчиликлар йўқотилган сайин кексаларни ишдан дархон қилиш керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ДАРЧА [*ф.* درچه – эшикча] **1** Илгари вақтларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки қўш табақали эшикча. *Ота дарвозага тамба тираб, қўшнининг дарчасидан ўтиб, кўчага чиқди.* С. Нуров, Нарвон. *Тўтибу Зумраднинг қўлидан хатни тортиб олиб, дарча томон югурди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Эшик ёки деворга ўрнатилган кичкина эшикча ёки дераза. *Кўпинча ёпиқ бўладиган касса дарчасидан ёқимли зарҳал нур тушиб туради.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Очиқ дарчанинг юпқа ромига икки тирсаги билан таяниб, ташқарига кўз солди.* А. Мухтор, Асарлар. *Дарчаларга атлас ва шойи пардалар тутилган.* М. Осим, Карвон йўлларида.

3 *кўчма* Фойдаланиш, кириш имкони; йўл. *Дастурхон устида қизиди суҳбат. Очди гўё бирдан фан дарчасини.* М. Икром. *Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан, Очилдими сенга толе дарчаси?* А. Орипов, Йиллар армони. *Эзгулик дарчасин чертмади бекор, Сокин кечиб ўтди ўту сувидан.* Отаёр, Оқ фасл.

Биқинидан, пешонасидан (*ёки* **қулоғининг тагидан) дарча очиб қўймоқ** Қулоғининг тагига бир туширмоқ; калтаклаб ёки совуқ қурол билан жароҳатламоқ (дўқ, пўписа ибораси). *Ҳотам шўро кўриб қолса, нақ пешонангдан дарча очади.* М.М.Дўст, Лолазор. *Ҳозир пешонасидан дарча очиб қўямиз, ана ундан кейин ҳеч нима эсидан чиқмайдиган бўлади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ДАРҒА 1 *эск.* Кема бошқарувчиси; капитан. *Кема тумшуғида турган дарға кўксини чангаллаганча дарёга йиқилди.* «Ёшлик». *Дарға йўлдан тойса, кема ағдарилади.* «Қанотли сўзлар». *Дарёнинг бўйида қарғалар бўлсам, Энг катта кемага дарғалар бўлсам..* «Қўшиқлар».

2 *кўчма* Машинани бошқарувчи, юргизувчи. *Зангори кема дарғалари.*

3 *кўчма* Йўлбошчи, раҳбар, етакчи. *Унинг юз ёшгача соғ-саломат ва яна узоқ йиллар келажак сари шиддат билан бораётган улкан кеманинг дарғаси бўлиб қолишини тилайдилар.* Газетадан. *Сиз бўлдингиз шеъриятнинг дарғаси.* Отаёр, Оқ фасл.

ДАРҒАЗАБ [*ф.*+ *а.* درغضب – ғазабда, ғазабнок] Ғазаби келган, ортиқ даражада

ғазабланган. *Саркарда ниҳоятда дарғазаб бўлди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Хотин ҳеч қандай жавоб ололмасдан, дарғазаб бўлиб чиқиб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ДАРҒАЛИ *этн.* Ўзбек миллати таркибига кирган туркий уруғлардан бири.

ДАРҒИНЛАР *этн.* Доғистон Республикаси ҳудудида яшайдиган халқ.

ДАРҲАМ [*ф.* درهم – мураккаб; чалкаш] Зардўзликда бой ва ҳашамдор буюмларга зар билан гул шаклида тикиладиган мураккаб нақш тури.

ДАРҲАҚИҚАТ [*ф.* + *а.* درحقيقت – аслида, чиндан ҳам] *рвш.* **1** Ҳақиқатан, чиндан ҳам. *-Мулла Абдураҳмоннинг илми дарҳақиқат яхши бўлган деб эшитаман! – деди махдум.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *крш с. взф.* Ҳақиқатан ҳам, ҳақиқатда. *Дарҳақиқат, Вали ака ўғлига бир отагина бўлиб қолмай, унинг энг яқин ҳамдарди ҳам эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДАРҲОЛ [*ф.* + *а.* درحال – ҳозирнинг ўзида, тезлик билан] *рвш.* **1** Тез, дарров, бир онда. *Умид фурсатни қўлдан бермай, дарҳол эшик ёнига келди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бўри боласи ўзини дарҳол дарахтлар орасига урди.* «Ёшлик».

2 Тез вақт ичида, кечиктирмай. *-Агар шундай асос топилар экан, сизга дарҳол маълум қиламан, – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДАСИСА [*а.* دسيسه – макр-ҳийла; яширин битим] *эск. кт.* Ҳийла, найранг, макр. *Маккор Ҳомиднинг иблисона дасисаси бир оилани тамом ишдан чиқараёзганким, бу тўғрида айниқса сизга сўзлаш ортиқчадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАСКАНА *шв. айн.* **дасткола.** *Марзада барг кесаётган Дадаали ака қўлидаги дасканани белбоғига қистириб, дарров югуриб келди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ДАСТ [*ф.* دست – қўл; панжа] **1** *кам қўлл. айн.* **қўл 1.** *Мен Исфандиёр бўлсам, дағдағали хат битган сиёсатдонни топиб, анинг дасти панжасин кесиб ташлайман.* С. Сиёев, Аваз. *Олмос ярашгандир марднинг дастига.* «Маликаи айёр».

2 Шартта, тез; бирдан. *У даст ўрнидан туриб, айвонга чиқиб кетди.* «Ёш куч». *Хотини сут соғаётган пақирни тақ эткизиб ерга қўйди-да, даст ўрнидан турди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Улуғбек бу китобни устознинг қўлидан даст юлиб олди ва кўзларига суртди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

Дасти баланд *айн.* **қўли баланд** *қ.* **қўл. Дасти узун** *айн.* **қўли узун** *қ.* **қўл**. *Дасти узун анинг, ако.* М.М.Дўст, Лолазор. **Даст кўтармоқ** Бир зўр билан ердан узиб, тик кўтармоқ, азот кўтармоқ. *Ўғлини кўриб, уни даст кўтариб, бағрига босди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Анзират болтани даст кўтарди-ю, Холжонга қараб югурди.* «Ёшлик». **Дастидан** 1) сабабли, туфайли. *Рост, акаси унинг дастидан қамалди.* «Ёшлик». *У кун четда оҳ чекардим Ғуссаларнинг дастидан.* А. Орипов, Йиллар армони. *Бу боланинг дастидан уйда на теша қолди, на қайчи.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар; 2) жабридан, ёмонлигидан, зулмидан. *-Дод, бу рашкчи эрнинг дастидан.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Қўлга тушса, улар билар, Дастидан сулувлар йиғлар.* «Эрали ва Шерали». *Сўқир, ёвуз ўлим, минг дод дастингдан..* А. Орипов, Йиллар армони.

ДАСТА I [*ф.* دسته – соп; тутқич] **1** Турли асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; соп. *Болта дастаси. Пичоқ дастаси.* ▬ *Пичоқ дастасини қаттиқ қисганидан, тирноғи кафтига ботиб кетди.* «Ёшлик». *Дастаси бўлмаса, қилич ҳам кесмайди.* «Қанотли сўзлар». *У кичкина.. кетмонини ерга қадаб, дастасига ўтирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Тутқич, тутқа, қабза. *Эшикнинг дастаси.* ▬ [*Гулнор*] *Бир қўли билан деразанинг дастасини ушлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бекнинг чайир қўли бегона чамадоннинг дастасини ушлаганича тинчиди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Чашканинг дастасидан тутиб, қора чой ичса, жуда гаштли бўлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 Мусиқа асбобининг тор (ип, сим) тортилган ва қўл суриб, парда босиладиган қисми. *Дуторнинг дастаси.*

Дастасини ўзидан чиқармоқ *айн.* **сопини ўзидан чиқармоқ** *қ.* **соп**.

ДАСТА II [*ф.* دسته] Кели (ўғир)да нарса оқлашда (туйишда) ишлатиладиган тутқичли асбоб, келисоп. *У дадасининг қийин-қистовидан кейин, келини ҳовлига опчиқиб, зарда билан дастани тўқиллатиб, шоли оқларди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Азизхон бир гал шунақа шоли оқлашда дастани шундай куч билан урган эдики, тут тўнкасидан қилинган кели иккига ажралиб кетган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ДАСТА III [*ф.* دسته] *шв.* Чиллак. *Қадимги майяларнинг касалланган тишларини даволашда шифокорлар ёғоч дасталардан фойдаланишган экан.* «Фан ва турмуш».

ДАСТА IV [*ф.* دسته – гуруҳ; тўда; боғлам, тўп] **1** Бир тутам ёки боғлам қилиб терилган ёхуд боғланган нарса; боғ, боғлам. *Бир даста пиёз.* ▬ *Бир даста гул кўтариб Мамлакат киради.* С. Зуннунова, Олов. *Полда бир даста бинафша сочилиб ётарди.* «Ёшлик».

2 Устма-уст қилиб терилган, тахланган ёки тахлаб боғланган ёхуд қутичага жойлаштирилган нарса; пачка. *Бир даста китоб. Бир даста пул.* ▬ *Исломхўжа бир даста тилхатни тез-тез кўздан кечирди.* С. Сиёев, Аваз. *У менга бир даста дафтар варақларини берди.* «Ёшлик». *Бир оздан сўнг кийим-кечак тахланадиган шкафдан бир даста пул топилди.* «Муштум». *Аҳмаднинг аяси қўлидаги бир даста чинни косани тушириб юборди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

3 *махс.* Ипак қурти пилла ўраши учун сўкчакка бостириладиган ғўзапоя ва ш. к. боғлами. *Қурт дастага кирар вақти чимхўр бўлиб, сустлаб қолади, бир кун ноз уйқуни олади.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

4 Гуруҳ, ансамбль. *Созандалар дастаси бир чирмандачи, бир ноғорачи, бир сурнайчи, бир раққоса ва битта қўғирчоқбоздан иборат эди.* С. Айний. Эсдаликлар.

5 Тўп, гуруҳ, отряд. *Баъзан ҳар икки томоннинг илғор дасталари тўсатдан учрашиб, катта сурон билан ўқ узишадилар.* Ойбек, Навоий. *Қўшин жўнаб баланд-пастда, Жўнай берди даста-даста.* «Интизор». *Минг даста тузсин, амирнинг куни саноқли.* С. Айний, Қуллар.

ДАСТАВВАЛ [*ф.* + *а.* دستاوّل – биринчи навбатда, аввало] *рвш.* Энг аввал, биринчи навбатда, биринчи галда, аввало. *Ҳамза у билан даставвал Хоразмда танишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Яқинлашаётган аллақандай фалокатни даставвал Нодира сезгандек бўлди.* «Ёшлик».

ДАСТА-ДАСТА **1** Дасталанган нарсанинг миқдоран кўплиги. *Гулларим даста-даста, Ҳамон сени кутаман.* Миртемир, Асарлар. *Илгарилари ҳўв анови айвонда той-той пахталар, қизларнинг чархи, даста-даста савағичлар бўларди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Тўда-тўда, тўп-тўп. *Қўшин келди даста-даста, Ясов тортди баланд-пастда.* «Хушкелди». *Қўшин жўнар баланд-пастда, Саф-саф бўлиб, даста-даста.* «Гулшанбоғ».

3 Устма-уст тахлаб пачкаланган нарсанинг миқдоран кўплиги. *Даста-даста хат. Даста-даста пул.* ▬ *Даста-даста пулни кўз олдига келтирди-ю, "пул топиш мана мунақа бўлади", деб енг шимариб, мижоз қидиришга тушди.* Газетадан.

4 Устма-уст қилиб терилган, тахланган. *Токчаларда даста-даста косалар, пиёлалар ва чойнаклар терилиб турарди.* С. Зуннунова, Олов.

ДАСТАК I [*ф.* دستک – қўлча; даста; ҳасса] **1** Турли қурилмаларнинг ричаг асосига қурилган қисми; ричаг. *Тегирмон қулоғининг дастаги.*

2 *кам қўлл.* Даста, соп, тутқа. *Унинг [бешикнинг] дастагию йўрғаси, қасқонию тагбозиси шунчалик маҳкам зичланардики, ойлаб тўхтамай тебратганда ҳам, бирор жойидан ғийқ этган товуш чиқмасди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Бирор ҳаракат учун асос, таянч қилиб олинган ёки таянч бўлиб хизмат қилувчи нарса (далил, ҳужжат, баҳона ва ш.к.). *Ҳомиднинг бу гапи унга катта дастак бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бу [балиқ овлаш] отанинг яна бир тирикчилик дастагидир.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДАСТАК II [*ф.* دستک] Оёқ кийимининг товонни айлантириб олган ва бошлиққа бириктириладиган орқа қисми. *Этикнинг дастаги. Кавушнинг дастаги.* ▬ *Маҳкам ака ботинкани қўлига олиб, дастагини кериб берди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ДАСТАКИ [*ф.* دستکی – қўлга алоқадор] Қўлда ясалган, хонаки; сўқма. *Дастаки самовар. Дастаки қулф.*

2 Қўлда бажариладиган, қўл билан ишлатиладиган. *Дастаки пуркагич.*

ДАСТАЛАМОҚ I Даста ўрнатмоқ, сопламоқ. *Кетмонни дасталамоқ.*

ДАСТАЛАМОҚ II **1** Даста-даста қилиб термоқ ёки боғламоқ. *Гул дасталамоқ.* ▬ *Она гандираклаб, дасталаб қўйилган қоқ янтоқ устига орқаси билан ўтириб олди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Хонтахтада тандирдан янги узилган қип-қизил патирлар дасталаниб турарди.* О. Ёқубов, Ларза.

2 Устма-уст, қават-қават қилиб термоқ, тахламоқ. *Нон дасталамоқ. Китоб дасталамоқ.* ▬ *Чўк тушиб, сочилган жилд-қоғоз-*

ларини бирма-бир дасталади. «Ёшлик». *Келин, ювиб артилган пиёлаларни дасталай туриб, чолнинг гапини яхши англамади чоғи, сўзни бўлди.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.

ДАСТАЛИ Сопи, тутқаси бор; сопли, тутқичли. *Дастали кетмон.* ▬ *Тол новдадан тўқилган, узун дастали замбил аллақачон тайёр бўлган.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бу кишига ўттизта чойнак, юзта пахта гулли пиёла, йигирма бешта дастали чашка.. берилган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДАСТАЛИК Соп қилишга, даста қилишга ярайдиган; дастабоп. *Дасталик тол ёғоч.*

ДАСТАРРА [*ф.* دستارّه – қўл арра] Бир қўл билан ушлаб ишлатиладиган (тортиладиган) арра; кичик қўларра. *Отам онамга болта, дасттеша, дастарра.. тайёрлашни буюрди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДАСТГИР [*ф.* دستگیر – ёрдамчи; ҳомий, мададкор] **1** *эск.кт.* Ёрдамчи, мадад берувчи. *Сағири бўлсин ул, хоҳи кабири, Чуқур фикри ҳамиша дастгири.* Ҳабибий. *Бу эрди ул арабким, бўлди дастгир.* Саййид Қосимий, Садоқатнома.

2 *шв.* Дастали, сопли. *Дўстлар қилди бир тарафга юришни, Белга осиб тилла дастгир қилични.* «Орзигул».

ДАСТГОҲ [*ф.* دستگاه – асбоб, ускуна, станок] **1** Косибларнинг, тўқимачиларнинг дастаки станоги; дўкон. *Мен ҳам тўқувчи косиблар дастгоҳида ишлаб турибман.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чол шоша-пиша дастгоҳини йиғиштирди.* «Шарқ юлдузи».

2 *эск. айн.* **станок.** *Тўхтаб қолган дастгоҳларнинг 70 фоизи ишга солинди.* Газетадан. *Автомат дастгоҳлардан мавжланиб оқаётган ранг-баранг шойи газламалар шу зўр тўлқин билан тўхтовсиз кўпайиб бормоқда.* Газетадан. *Бугун Шералининг хаёли шошқин, Роса ярқиратиб мойланган дастгоҳ.* А. Мухтор, Асарлар.

ДАСТГОҲСОЗЛИК *эск. айн.* **станоксозлик.** *Дастгоҳсозлик заводи. Бизда илгари дастгоҳсозлик қўл меҳнатига асосланар эди.*

ДАСТЁР [*ф.* دستیار – ёрдамчи; иштирокчи; ҳомий] **1** Қўлдан келган ишни бажариб, оилада катталарнинг оғирини енгил қилувчи, ёрдамчи. *Мен ўн бир ёшларга кирганимда, ота-онамга яхши дастёр бўлиб қолдим.* С. Айний, Эсдаликлар. *Эси кириб, дастёр бўлиб қолган Элмурод укасининг.. ингичка оёқларига қараб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бировнинг енгил-елпи ишларини бажариш учун ёлланган хизматкор бола. *Тўртинчи куни [Қудрат] керосин сотувчи бир рус савдогарга дастёр бўлиб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Канал бўйидаги сўрига ўтириб, дастёр болага кўк чой буюрдик.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Равшан пальтоси билан қалпоғини ечиб, пештахта ортидаги дастёрга узатди.* «Шарқ юлдузи».

3 *кўчма* Ёрдамчи, кўмакчи. *Яхши ит – чўпоннинг қўриқчиси, дўсти, дастёри.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ДАСТЁРЛИК 1 Яқиндан кўмакдош, суянчиқ бўлишлик; ёрдамчилик.

2 Енгил-елпи ишларда ёрдамлашиш; дастёрчилик. *Бўш вақтида.. далага келиб, Ғайбуллага дастёрлик қилиб турар, машинанинг қисмларини ўрганар эди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

ДАСТЁРЧИЛИК *айн.* **дастёрлик 2.** *Менинг ҳам дастёрчилик қилавериб, оёғим қаварди.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан.

ДАСТКАЛЛАК *с.т.* Дасткола.

ДАСТКОЛА [*ф.* دستکاله – қўл асбоби] Дарахтларнинг шох-шаббасини кесадиган узун дастали асбоб. *Отам онамга болта, дасттеша, дастарра, дасткола каби асбобларни тайёрлашни буюрди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДАСТЛАБ *рвш.* Энг аввало, даставвал, бошда. *Эс-ҳушини йўқотиб, гарангланган деҳқон дастлаб индамади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Карима Ойша опадан дастлаб болаларни севишни ўрганди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ДАСТЛАБКИ 1 Энг аввал юз берган, энг аввалги, бошланғич, биринчи. *Дастлабки кезлар. Дастлабки кунлар.* ▬ *Ёзнинг дастлабки кунларида уфқларга чўзилган кенгликлар яшил тусга кирганди.* Газетадан. *Боғ кўзга кўриниб қолган, дастлабки кўчатлар ҳосилга кирган эди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Бу – Умиднинг ҳаётидаги дастлабки ғалаба эди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Биринчи галдаги, биринчи навбатдаги. *Дастлабки вазифалар.* ▬ *Бинокорлар қисқа фурсатдаёқ дастлабки туркум ишларни уддалаб улгуришди.* Газетадан.

3 Бирламчи; хомаки. *Дастлабки текшириш. Дастлабки ишлаш.* ▬ *Бу дастлабки ов-машқ эди, албатта.* «Ёшлик». *Дастлабки маълумотларга қараганда, 35 киши тирик*

қолган. Газетадан. *Техникумда толали экинлар маҳсулотини дастлабки ишлаш учун технологлар тайёрланади.* Газетадан.

ДАСТМОЛ [*ф.* دستمال – қўл артадиган мато] **1** Қўл артадиган рўмолча, даструмол; чўнтак рўмолча.

2 *шв.* Қозон сочиқ.

ДАСТМОЯ [*ф.* دستمایه – озгина пул, маблағ; мол] **1** Савдо-сотиқ ишларида айлантириб туриладиган ва ўша асосда фойда кўриладиган дастлабки асосий маблағ. *Отам куёвдан олган қалин пулини дастмоя қилиб, косиблик – маҳсидўзлик билан шуғулланади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Меҳтархон сингари катта савдогарлар дастмоя бериб, Ҳиндистон ва Эрон билан савдо-сотиқ қилар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Дастмоясидан айрилмоқ Синмоқ, банкротликка учрамоқ. *Ҳисобини билмаган дастмоясидан айрилар.* Мақол.

2 *с. т.* Бисотдаги, пешонадаги бор-йўқ нарса. *Унинг дастмояси – шу битта кетмони.* ▬ [*Рафиқ Мидҳатга:*] *Ёзавер.. Занг босиб қолмасин. Дастмояни ишга сол.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *-Буларниям топган дастмояси нуқул ашула экан-да! – Асом бува қалампир еган каби афтини бужмайтирди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

3 *кўчма с.т.* Бирор иш-ҳаракат учун восита, дастак, баҳона бўлган нарса; рўкач. *Бултур ишимнинг ўнгидан келмагани бу йил сизга дастмоя бўлиб қолдими!* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Ғиёсиддин иккита мешни дастмоя қилиб, расталарда "оби худойи" деб, мешкобчилик қилиб юрибди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ДАСТОР [*ф.* دستار– салла; сочиқ] *эск. айн.* **салла** I. *Ҳирот чапанилари.. дасторни бошларига наридан-бери чулғаб, жомега келган эдилар.* Ойбек, Навоий. *Меъмор дасторини бошига қўндириб, қиблага юзини тўғрилади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Дастор олма Анжирсимон ялпоқ олма.
Дастор қовоқ Кўриниши бошга, тарам-тарам қилиб ўралган дасторга ўхшаш қовоқ хили. *Бу томонда аймоқи ток сўриси, у томонда дастор қовоқ чирмашган эди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ДАСТОРБАНД [*ф.* دستاربند – салла ўровчи] *тар.* Подшоҳ ёки хоннинг салласини ўраб қўядиган хизматкор.

ДАСТОРБОШ *бот.* Мураккабгуллилар (қоқидошлар) оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми.

ДАСТОРГУЛ [*ф.* دستارگل] Мураккабгуллилар (қоқидошлар)га мансуб, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. *Дасторгул гулзорларни безатиш учун экилади.*

ДАСТПАНЖА [*ф.* دستپنجه – қўл панжаси, бармоқлар] *с.т.* Қўл; кафт ва панжалар. *Ахир, сўлоқмондай дастпанжа бўлгани билан ёзувга уқув бўлмаса, бекор экан-да.* А. Муҳиддин, Ўтники ўтга, сувники сувга. *Ҳар томондан бараварига урилиб турилган совуқ дастпанжалар анча-мунча нарсани ўмариб қўйди.* Газетадан.

Дастпанжаси йўқ одам *кест.* Ҳеч нарсада йўқ, қўлидан ҳеч иш келмайдиган, ношуд одам.

ДАСТРЎМОЛ [даст + рўмол] Ёнда олиб юриладиган кичкина рўмолча. *Шерали чўнтагидан дастрўмолини олди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Усмон Юсупов терлаган гарданини дастрўмол билан арта-арта, олдинга чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Иқболхон зинғиллаб уйга кириб кетди-ю, дастрўмолга ўралган бир нарса олиб чиқди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ДАСТРЎМОЛЧА *айн.* **рўмолча.** *Дадамат аканинг кўзларига ёш қалқди, у дастрўмолчасини олиб, кўзларини артди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ДАСТТЕША Қўл теша. *Отам онамга болта, дасттеша, дастарра.. каби асбобларни тайёрлашни буюрди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДАСТУР [*ф.* دستور – йўл-йўриқ, кўрсатма, тартиб-қоида] **1** Муайян мақсад, иш-ҳаракат ёки тадбирнинг олдиндан белгилаб чиқилган йўл-йўриғи, уни амалга оширишнинг тартиби, қонун-қоидаси; программа. *Соғлом авлод дастури. Давлат тилини амалга ошириш дастури.* ▬ *У хоксор, доно, камсуқум шоирдан ҳамиша илиқ бир сўз эшитади, оқилона бир дастур олади.* С. Сиёев, Аваз. *Бугун ўтказилаётган сиёсатимиз аниқ, муддао равшан, тараққиёт дастуримиз мавжуд.* Газетадан. *Меҳнатга ҳурмат – ахлоқнинг юксак дастурларидан биридир.* Ойбек, Нур қидириб.

Дастур тутмоқ Қўлланма сифатида амал қилмоқ.

2 Бажариладиган тадбирлар тартиби, қилинадиган ишлар рўйхати. *Анжуман дастури.*

ДАСТУРИЛАМАЛ [*ф.* + *а.* دستورالعمل – йўл-йўриқ, йўриқнома, кўрсатма] **1** Йўл-йўриқ, ишончли йўлланма. *Бизнинг шоирларимиз ҳам қаерда нимадан ифтихор қилсалар, аввало худди мана шу нарсани тилга олганлар ва шу нарсани дастуриламал қилиб келганлар.* С. Зуннунова, Олов. *Ахир, бу мушоҳадалар биз учун дастуриламал энди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Низомнома, устав. *Сиз элчилар учун мукаммал бир дастуриламал ёзинг.* М. Осим, Карвон йўлларида. *У саккиз ёшида солдат бўлди, унинг қўлига "дастуриламал" беришди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ДАСТУРИЙ 1 Муайян мақсадга қаратилган, қатъий дастур, режа асосига қурилган; белгиланган. *Менинг назаримда, мухолифат аниқ муқобил дастурга эга бўлиши керак.* Газетадан.

2 Йўналтирувчи, аниқ мақсадни кўзловчи. *[Президентнинг] Олий Мажлис биринчи сессиясидаги дастурий маърузасидан келиб чиққан ҳолда, жорий ва истиқболга мўлжалланган иш режаларини тузиш..* Газетадан.

ДАСТУРХОН [*ф.* دستارخوان – овқат қўйиладиган мато; унга қўйилган таомлар] **1** Ўртага ёзиб, устига овқат қўйиладиган махсус мато, рўзғор буюми. *Ёмоннинг дастурхонидан яхшининг устухони яхши.* Мақол. ▬ *Қумри кулранг бўз дастурхонни ёзди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Хуш келибсизлар. Қани, дастурхонга марҳамат.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 *кўчма* Ўртага ёзилган шундай дастурхон ва унинг устига қўйилган таомлар. *Тўкин дастурхон. Дастурхон безамоқ. Дастурхон тузамоқ. Дастурхонга боққан дўст эмас.* Мақол. ▬ *Юртимизнинг фаровонлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги ана шу оқ пахтадан.* Газетадан. *Шоҳона дастурхон ёзилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Дастурхонга ўтирмоқ Овқатланишга ўтирмоқ. *Бу орада Ҳамза ҳам ҳужрасидан чиқиб, дастурхонга ўтирди.* К. Яшин, Ҳамза. **Дастурхонга қарамоқ (***ёки* **қараб ўтирмоқ)** Ебичиб ўтирмоқ. *Қани, дастурхонга қаранг.* К. Яшин, Ҳамза. **Дастурхон емоқ** Зиёфат емоқ. *Жамоамизнинг барчаси ҳам ҳозир бўлиб, дастурхон ер эрдик.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Дастурхон қилмоқ** Бирор гапни ҳар қаерларда ҳар кимларга гапириб, овоза қилиб юрмоқ, дастмоя қилиб олмоқ. *Сиз кимга яхши кўринмоқчи эдингиз, ёлғон гапни дастурхон қилиб юрибсиз?* П. Қодиров, Қадрим. *Чойни ичиб, пиёланинг четини кафти билан артаркан, юрагидаги дардини дастурхон қилишга киришди.* «Ёшлик». **Нонини еб, дастурхонига оёқ артмоқ** Яхшиликка ёмонлик қайтармоқ.

3 *кўчма* Мамлакат, жамият бойлиги, ризқ-рўзи. *Биз мамлакатимиз улкан дастурхонига.. оқ олтинимизни қўшишимиз билан фахрланамиз.* Р. Файзий, Таъзим. *Сендақа пайтимизда биз, наинки машоқ, оғзимиздаги нонимизни ҳам эл дастурхонига қўйиганмиз.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ДАСТУРХОНЛИК Дастурхон бўладиган; дастурхонбоп. *Дастурхонлик мато. Бозорга тушиб, икки метр дастурхонлик олдим.*

ДАСТУРХОНСИЗ 1 Дастурхон ёзилмаган. *Дастурхонсиз стол.*

2 *кўчма* Меҳмондўстликни билмайдиган, саховатсиз. *Устунларимизни.. унчалик ҳам бесаховат, дастурхонсиз одамлар деб бўлмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ДАСТУРХОНЧИ 1 Тўй, катта зиёфат ва бошқа маросимларда дастурхон тайёрлаш ва келган-кетганларни кутиш учун белгиланган аёл ёки эркак киши. *Дастурхончи ва бошқа.. хотинлар Йўлчининг ёнига бемалол келсалар-да, у қиз яқин келмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дастурхончи катта тарелкадаги чаросдан бир бошини олдига олиб, сиқимлаб оғзига солди.* «Саодат».

2 *тар.* Ўтмишда амир, хон ва беклар саройида сарой аҳлларига бериладиган овқатларни тайёрлатиш ва меҳмон кутиш билан шуғулланган лавозимли киши. *Гўрўғли билан Авазхон шул замон тахтга чиқиб, саркарда, тўқсоба, номдор бекларини чақиртириб.. дастурхончилар дастурхон ёзиб, турли таомлар тортилиб.. кечаси билан ҳар элга ясовулларни чоптириб ётди.* «Гулшанбоғ».

3 *с. т. салб.* Воситачи, даллол.

ДАСТУРХОНЧИЛИК Дастурхончи вазифасини бажариш, дастурхончи бўлиш. *-Ўзинг биласан, тўйларда, маъракаларда дастурхончилик қиламан, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У кишига [Рустамовга] дастурхончилик вазифасини юклашди.* «Муштум».

ДАСТХАТ [*ф.*+ *а.* دستخط – қўл билан битилган] Шахснинг ўз қўли билан ёзган хати. *Мулла Муҳсиннинг ўз дастхати ва таҳрири билан ёзилган "ариза" мажлисда*

яхшигина кулги берди. А. Қодирий, Обид кетмон. *Тожиқўзи аввал ёзувчи дастхатига мансуб ўша ҳаяжонли сатрларни ўқиб берди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бу ёзув унга таниш: Асрораниng дастхати.* С. Аҳмад, Уфқ.

ДАСТШЎ(Й) [*ф.* دستشوی – қўл ювадиган идиш] Қўл-бет ювганда, ювинди сув оқиб тушадиган металл идиш. *У [канизак] хиёл ўтмай, қўлида дастшў ва қумғон билан келиб, ўтирганлар қўлига сув қуйди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Бир қўлида обдаста, бир қўлида дастшў, сўрининг четида туриб, қўлларига сув қуя бошлади.* П. Қодиров, Қадрим.

ДАФ I [*а.* دف – доира, чилдирма] Чертиб чалинадиган, доира шаклидаги ёғоч гардишга хом тери қоплаб ясалган мусиқа асбоби; чилдирма, доира. *Даф чалиниб, базм бошланди.* Мирмуҳсин, Ойна. *Дилдор югуриб бориб, Давлатбахтбегимнинг хонасидан ғижжак, танбур, даф келтирди.* Ойбек, Навоий.

ДАФ II [*а.* دفع – силташ, қаршилик; узоқлаштириш] Қайтариш; йўқотиш, бартараф этиш. *Мана у* [*Отабек*] *шу мудҳиш, бошга тушмоғи аниқ турган ҳалокатнинг дафи учун Марғилондан ошиғич чиқиб жўнаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Даф бўлмоқ Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ; бартараф бўлмоқ. *Чол бобо қўли билан "даф бўлинглар" дегандек ишора қилиб қўйди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. «*Келган бало ўша билан даф бўлсин», деди ичида.* С. Анорбоев, Оқсой. **Даф қилмоқ (***ёки* **этмоқ)** 1) қайтармоқ; йўқотмоқ, бартараф қилмоқ. *Қўй сутининг қон туфлаш касалини даф қилишда фойдаси катта.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Ҳар қандай ёмон назарни даф қилади бу исириқ.* С. Аҳмад, Уфқ. *Душманнинг бир неча ҳужуми даф этилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) ҳужум қилмоқ, ҳамла қилмоқ. *Бегуноҳларга ножўя даф қиладиганларни сал фаҳмласанг, шипшитиб қўй: нақ белини синдирамиз.* "Муштум". *-Ваҳшийга тегмасанг, у сенга даф қилмайди, – деди Шубин.* Шуҳрат, Олтин зангламас. *Алижон чамадонини шилдираб оқаётган ариқ бўйига қўяётганида, қоплон сапчиб туриб, даф қилди..* Мирмуҳсин, Чиниқиш. **Дафи савдо** 1) бошга тушган савдони қайтариш; 2) бошга тушган савдони қайтарадиган.

ДАФИНА [*а.* دفینه – ерга кўмилган бойлик] **1** Ерга кўмилган зебу зийнат буюмлари, қимматбаҳо тошлардан иборат бойлик, хазина. *Ота-бобонгиз ва ўзингиз жамғариб қўйган хазина, дафиналарни бир-бир очиб.. бизга топширинг.* С. Айний, Дохунда. *Ўтган асрнинг охирларида Фарғона область Наманган уездида.. чўпонлар тасодифан металл буюмлар дафинасини топиб олишган.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Сиру асрор, орзу-армон. *Дафина кўп кенг юрагимда, Қатларим сақлар.* Миртемир, Асарлар.

ДАФН [*а.* دفن – марҳумни кўмиш, қабрга қўйиш] Ўлган киши (майит)ни кўмиш, қабрга қўйиш маросими. *Дафн этмоқ (қилмоқ).* ▬ *Одил бувани Собир ўз қўли билан дафн этди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Дафн маросими тушдан кейин тугаб, одамлар тартибсиз равишда.. тарқала бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДАФНА [юнон мифологиясидаги Daphne – дарё маъбудининг қизи номидан] Лавրдошларга мансуб доимо яшил хушбўй дарахт; лавр. *Родионов чемпион Петросян бўйнига дафна дарахти баргидан ясалган катта гулчамбарни кийгизиб қўйди.* Газетадан. *Суратни дафнадек безаган райҳон, Қўл тегса, дув этиб тўкилар гўё.* Б. Бойқобилов, Садоқат.

ДАФТАР [*а.* دفتر < *юн.* diftera – қоғоз ўрами] **1** Китобча шаклида тикилган, муқоваланган ва хат ёзиш ёки расм чизиш учун мўлжалланган тоза қоғоз варақлари. *Бир чизиқли дафтар. Катак дафтар. Расм дафтари.* ▬ *Болаларникидай кулимсираган жуда жонли ва қандайдир баҳаё қоп-қора кўзлар дафтарлар устида ўйчан югуради.* Ойбек, Нур қидириб. *Шерали ҳозиргина эшитган гапларини апил-тапил дафтарига ёзгач, минбарга қараб қолди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Отам менинг отли йигит, Дафтари гул хатли йигит.* «Бойчечак».

Вексель дафтари Қарздорларнинг қарзлари ва уни тўлаш муддатлари қайд этиладиган ҳужжат. *Шуниси ҳам борки, вексель дафтарим қаердалиги эсимда йўқ.* К. Яшин, Ҳамза. **Кундалик дафтар** Ўқувчининг дарсларга қатнашиши, ўзлаштиришига оид маълумотлар қайд этилувчи дафтар. *..ювган кирларини дазмол қилди, болаларининг дарсларини текширди, кундалик дафтарларини кўрди.* С. Зуннунова, Олов. **Нота дафтари** Мусиқа ноталари қайд этилган ёки этиладиган дафтар. *Симларга қўнган қушлар*

нота дафтаридаги нуқталар-у, шамол уларга қараб, куйни чалаётгандек эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Уй дафтари** Бир хонадон, оилада истиқомат қилувчиларнинг муайян ҳудудда, манзилда рўйхатга олинганлиги қайд этилувчи расмий дафтар. **Хотира (***ёки* **кундалик) дафтари** Шахснинг ўз кундалик ҳаёти давомида кўрган-кечирганларини ёзиб борган ёки ёзиб борадиган дафтари. *Махзум домланинг хотира дафтарининг биринчи қисми шу билан тамом бўлди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Шикоят дафтари** Савдо-сотиқ тармоқлари ва бошқа ташкилотларда мижозлар, фуқаролар ўз шикоят ва таклифларини қайд этиши учун жорий қилинган дафтар. *Шикоят дафтарини талаб қилса, «тўрт эллик қоғозга дардингизни ёзинг, кимга десангиз, элтиб бераман», деди.* «Муштум». **Ҳисоб дафтари** Шахсларнинг исм, фамилиялари ва уларга, уларнинг иш-фаолиятига оид маълумотлар қайд этилувчи дафтар. *Талъат уни кўриб қолди шекилли, ҳисоб дафтарини пахта устига ташлаб, чопиб тушди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги саргузашт ҳикоя. *Унинг дафтари узун. Дафтар қилмоқ.*

3 *кўчма* Борлиқ, ўзлик. *Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин.* А. Орипов, Юртим шамоли.

Дунё дафтари Тарих саҳифаси. *Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан, Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом. Унинг номи билан бирга битилган Дунё дафтарига ўзбек деган ном.* А. Орипов, Йиллар армони. **Кўнгил дафтари** Дилдаги армонлар, дард-ҳасратлар. *Хатдир кўнгил дафтари, хатдир севги каптари..* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Кўнгил дафтарининг олтин бетига Бебаҳо, нашъали чечак тақдингиз.* Ғайратий. **Темир дафтар** *қ.* **темир. Умр (***ёки* **ҳаёт) дафтари** Умр онлари, таржимаи ҳол; хотиралар. *Мелихон она умр дафтарини варақлади.* Газетадан. *Билсин: ҳаёт дафтарига у Ўчмас қилиб мангу битилган.* Шуҳрат, Ёшлигимнинг давоми. **(Ҳасрат) дафтари очилди** Ҳасрати бошланди. *Шу баҳона билан унинг дафтари очилиб кетди.* Ҳ. Назир, Узр, отахон. *Нотаниш жувоннинг ранги оқариб, ҳасрат дафтари очилиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Дафтаримни очиб нима қиласиз? — деди енгил хўрсиниб Гуландом.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДАФТАРДОР [дафтар + *ф.* دار — бирор нарсага эга маъносидаги қўшимча] **1** *тар.* Давлатнинг кирим-чиқимлари ҳисобини олиб борувчи лавозимли киши.

2 *эск.* Идорага келган-кетган хат-ҳужжатларни журналга ёзиб борувчи ва ёзув-чизув ишларини бажарувчи ходим, котиб(а). *Унинг ўзига ўхшаган Ҳомид номли бир ўртоғи бор. У Округ ижроқўмида дафтардор-журналист.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ДАФТАРДОРЛИК Расмий муассасаларда идорага дахлдор ёзув-чизув ишлари билан шуғулланиш ва ўша мансаб номи. *Хўжа Афзал дафтардорлик, ҳисоб-китоб ишларига жуда моҳир эди.* Ойбек, Навоий. *Маориф идоралари.. бу кунгача дафтардорлик ишини.. йўлга қўйган эмаслар.* Зиё Саид.

ДАФТАРНАВИС [дафтар + *ф.* نویس — ёзувчи] *тар.* Қозихонада ҳукм, васиқа ва ш.к. ҳужжатларни дафтарга ёзиб борувчи; иш юритувчи.

ДАФТАРЧА 1 Дафтар с. кичр. *Тавҳидий дафтарчани очди ва қадамини секинлатиб ўқий бошлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. [*Зокир ота*] *..унинг* [*Сидиқжоннинг*] *отини дафтарчасига ёзиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Босмахонада китобча шаклида тайёрланган ёндафтар ёки графалари зарур вақтда тўлдириладиган расмий ҳужжат. *Фосиҳ афанди қўлидаги дафтарчаси билан қаламини ерга қўйиб, чапак чалди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ён (*ёки* **қўйин, чўнтак) дафтарча** Чўнтакка солиб юришга мўлжалланган дафтарча. *Ён дафтарчасига нималарнидир ёзиб, кўкка қаради.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳали маъруза айтган киши билан аёл Фотиманинг ўзини, отасининг исмини сўраб, чўнтак дафтарчасига ёзиб олишди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Бир пиёла қаҳвадан кейин меҳмон ўзига келиб, қўйин дафтарчасини олди.* «Гулдаста». **Меҳнат дафтарчаси** Шахснинг меҳнат фаолиятига оид расмий маълумотлар қайд этиладиган ёки этилган дафтарча. *Қаёққа бораман, қораланган "меҳнат дафтарчам" билан ким мени ишга олади.* С. Аҳмад, Уфқ. **Омонат дафтарчаси** Омонат кассаларига қўйилган маблағ ва уларга оид маълумотлар қайд этиб бориладиган дафтарча. *[Салим Обидий] Аллақандай зарур ҳужжатларни, омонат дафтарчасини рўмолга тугди.*

Мирмуҳсин, Умид. **Пенсия (*ёки* нафақа) дафтарчаси** Кимсанинг пенсияси миқдори ва уни тўлаб боришга оид маълумотлар қайд этилувчи дафтарча. *Тўлғон холамнинг пенсия дафтарчаси билан юрибман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ДАФТАР-ҚАЛАМ *жуфт с.* Қалам, дафтар ва ёзув-чизувга керакли нарсалар. *Хизматчи дафтар-қалам келтириб, санъаткорнинг олдига қўйди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ҳамза Санобарнинг олдига бориб, унинг дафтар-қаламини йиғиштиришини кутиб турди.* К. Яшин, Ҳамза.

ДАФЪА [*а.* دفعه – марта, карра] **1** Марта, карра, бора. *Илк дафъа. Сўнг дафъа.* ▬ *Бу кун Йўлчи бу уйга биринчи дафъа кирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шокир ака.. неча дафъа синчиклаб, кўз ўнгидан ўтказди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Бу – эркак зотининг илк дафъа унга бефарқ қараши эди.* «Ёшлик». *Феруз уни илк дафъа кўрибоқ, Табибийга башорат қилган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 ***Бу*** олмоши билан биргаликда "сафар","гал" сўзлари маъносида қўлланади. *..бу дафъа биздан нима гуноҳ ўтди, бундай беҳурмат қилдингиз.* «Алпомиш». *Бу дафъа товуш аввалгидан кўра узоқроқдан келар эди.* Ҳ. Олимжон.

ДАФЪАТАН [*а.* دفعتاً –бирдан, кутилмаганда] *рвш.* **1** Юз бериши кўзда тутилмаган, бирдан, тўсатдан, қўққисдан. *Елиб, йўрғалаб кетаётган тўриқ дафъатан тумшуғини баланд кўтариб, қаттиқ кишнади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Эргаш ишларни ўйлар экан, дафъатан кўз ўнгида қўшни қиз – Азиза жонланди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 Дастлаб, бошда, аввалига. *Берди татар дафъатан мақсадга тушунмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мансур жилмайиб, ўзи томон келаётган йигитни дафъатан таниёлмай турди-да, кейин суюниб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДАХЛ [*а.* دخل – кирим; алоқа, муносабат; шубҳа] Бирор шахс ёки нарсага алоқадорлик, таааллуқлилик; алоқа, муносабат. *Бизнинг уришиб қолишимиз учун Карим сандиқчининг ҳам дахли бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аслини суриштирсангиз, бу ишларга худонинг ҳеч дахли йўқ, ака. Ҳаммасини оқпошшо қилаётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Дахл этмоқ (*ёки* қилмоқ) Хавф туғдирмоқ, ҳамла қилмоқ, тажовуз қилмоқ; тегмоқ. *Менинг уйимда бир умр турсангиз ҳам – бемалол, биров сизга дахл қилмайди.* «Олтин бешик». *Бу жавоб Маҳмуд Ғазнавийнинг иззат-нафсига тегди ва Сайидо тириклигида унинг юртига дахл қилмади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *-Виждонимга дахл қилманг! У сотилмайди, сотиладиган мато эмас! – деди Воҳид ака.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДАХЛДОР [*а.* + *ф.* دخلدار – фойдали; алоқаси бор, шерик] Бирор нарсага бевосита алоқаси, боғлиқлиги бўлган, алоқадор, тааллуқли. *Низомиддин суҳбат ҳозир ўзининг жанговар ишларига дахлдор бўлгани учун индамай ўтирарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Айбномада ҳали қамоққа олинмаган, аммо жиноятга дахлдор бўлган бир қанча кишиларнинг номлари ҳам келтирилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДАХЛДОРЛИК Бирор иш-ҳаракатга, жараёнга алоқадорлик; шериклик. *Кейин билсам, мамлакат тақдиридан, унинг ташвиш ва муаммоларидан доимо бохабар бўлиб туриш ҳар бир фуқаронинг табиий эҳтиёжи бўлиб, у Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусидан келиб чиқар экан.* Газетадан.

ДАХЛЛАШМОҚ *шв.* Ҳазил қилиб айтмоқ, ҳазиллашмоқ. *Дахллашиб айтган эдим, менга тушунмабдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *-Оғалар, "сиёсат" қилманглар, дахллашманглар, – деди [Собир темирчи].* Ж. Шарипов, Хоразм.

ДАХЛЛИ *айн.* **дахлдор.** *Бу гаплар сенга дахлли эмас.*

ДАХЛСИЗ 1 Маълум бир нарсага бевосита алоқаси, боғлиқлиги бўлмаган, дахли йўқ, тааллуқли эмас. *Бу сенга дахлсиз гаплар.* ▬ *Қурбон ўзига дахлсиз нарсалар ҳақида хаёл сураётганини пайқаб, юраги сиқилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Ҳеч ким дахл қила олмайдиган, қўл тегиза олмайдиган, ҳар қандай қасд ёки тажовуздан ҳимоя қилинган ёки қилинадиган; бузилмас. *Маддоҳлар – худонинг дахлсиз бандалари, уларни хонликнинг ҳар бир беклиги, ҳар бир ноиблигига жўнатсак, зарар қилмас.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Яна қадри ошади онамиздай муқаддас, Ҳар қаричи муборак, дахлсиз, азиз ернинг.* Ғ. Ғулом, Шеърлар.

3 *дип.* Ўзга элларда қонун йўли билан жазолаб бўлмайдиган. *-Ҳазрат, бу одатга хилоф. Элчилар дахлсиз-ку, – деб хириллади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ДАХЛСИЗЛИК 1 Бирон-бир ишга дахли, алоқаси йўқлик, тааллуқли эмаслик.

2 Ҳар қандай хавф ёки тажовуздан ҳимоя этилганлик. *Чегара дахлсизлиги. Уй-жой дахлсизлиги. Дипломатик дахлсизлик. Депутат дахлсизлиги.* ▬ *Мамлакатимизнинг тақдири, чегараларимизнинг дахлсизлиги шу ҳудудда яшаётган фуқароларимизнинг ҳушёр ва сергаклигига ҳам боғлиқ.* Газетадан. *..жамиятда хусусий мулкчиликка нисбатан ҳурмат ва унинг дахлсизлигини таъминлайдиган муҳит яратишимиз шарт.* Газетадан.

ДАХМА [*ф.* دخمه – ер остидаги сағана, қабр] *кт.* Қабр устига ўрнатилган ёдгорлик; мақбара. *Биз дахмага кирган чоғимизда, зиёратхонада одам кўп эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Илгарилари ўша дахмада дайди-сайдилар ётиб юришарди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ДАХМАЗА [*ф.* دخمسه – қийинчилик; алдов] Салбий нарса, ҳодиса; ортиқча ташвиш, дардисар, бош оғриғи. *Э-э! Сотинг бу туяларни, қиши билан боқасизми!? Хашак-хушак, деб дахмаза қилиб юрасизми?!* Ойбек, Болалик. *Ўзи эллик гектар ер-у, дахмазаси беш юз гектарга татийди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ДАЧА [*р.* «дать» – «бермоқ» сўзидан: берилган нарса] *с.т.* Ёзда дам олиш учун мўлжалланган, шаҳардан ташқарида қурилган уй-жой; далаҳовли. *Ариқ бўйидан ўтган девор орқасида дача бор.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Дачадаги ўша воқеадан кейин у Зумрад билан танҳо учрашувларни бас қилган.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ДАШНОМ [*ф.* دشنام – сўкиш; ҳақоратли сўз] Қилмиши учун уялтириш, қаттиқ койиш, сўкиш. *Дашном бермоқ.* ▬ *Сизга дашном бераверib, жағимда жағ қолмади.* «Ёшлик». *Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор дегандай, бу дашном онага қаттиқ таъсир қилди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Ҳаётнинг у айтгандай чалкаш, мушкул, шафқатсиз эмаслигини исбот қилиб, у кишига дашном бергим келарди.* А. Мухтор, Асарлар.

Дашном емоқ Қаттиқ гап, койиш эшитмоқ. *Дашном еганим – беш нон еганим.* Мақол. ▬ *У ҳеч кимдан бундай дашном емаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДАШТ [*ф.* دشت – дала; чўл, саҳро] **1** Экилмай ётган сувсиз ер; чўл. *Бепоён дашт. Қақроқ дашт. Дашт ҳавоси. Даштда юрсанг, сув қадри ўтар, ёр билан уришсанг, ёр қадри ўтар.* Мақол. ▬ *Дашт деганим – қишлоқ этагидаги пасту баланд тепаларнинг орти.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ҳали даштга қоронғилик чўкмаган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Кенг, очиқ майдон; дала. *Бировлар бир парча жой тополмай саргардон, чодирсиз, чайласиз даштда ўтирадилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ДАШТ-БИЁБОН, дашту биёбон Дашт ва биёбон(лар), чўл ва саҳролар. *Ҳаммаёқ дашт-биёбон: одам юрса – оёғи, қуш учса, қаноти куяди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Тақдир буни ҳам кўп кўриб, тинчгина уй-жойидан дашту биёбонга ҳайдади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ДАШТЛИК 1 Экилмай ётган сувсиз ерлар; чўллар.

2 Даштда яшовчи киши; умуман шаҳардан ташқарида яшовчилар. *Даштлик деб кўп қилма мазах.* «Ҳасанхон».

ДАШТПИЁЗ Ёввойи пиёз турларидан бири.

ДАШША, дашшу *шв.* Дастшў(й). *Мискарликда ўнг томондаги пачоқ дўкон олдига ёйиб қўйилган мис баркаш, катта-кичик обдаста, дашшаю манқалдонга.. кўз ташламай иложингиз йўқ.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Холангиз бозордан дашшу харид қилиб кепти.* Т. Ашуров, Дашшу.

ДАШҚОЗОН *айн.* **дошқозон.** *Турдимат энг аввал автокачкага дашқозон, битта катта бакни ортди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Ҳовлининг ўртароқ ерига чуқур ўчоқ кавлаб, катта дашқозон осилипти.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДАШҚОЛ 1 Рудадан металл эритиб олишда ҳосил бўладиган шишасимон ёки тошсимон модда; шлак.

2 *кўчма* Ярамас, бемаъни; ғирром. *Ҳар савдолар тушар марднинг бошига, Қойил эмасман дунёнинг дашқол ишига.* «Эрали ва Шерали».

ДАЪВАТ [*а.* دعوت – чақириқ, ундаш; ташвиқот] **1** Бирор-бир ҳаракатга, маънавий, мафкуравий маслакка ундаш, чақириш; рағбатлантириш. *Озодлик учун курашувчилар сафида бўлиш унинг қалб даъвати эди.* Газетадан. *Икки йигит ҳам ичдаги қандайдир муқаддас бурчнинг даъвати билан курашга шўнғиди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Даъват қилмоқ Бирор ишга, маросимга чақирмоқ, таклиф қилмоқ. *Гапга даъват қилинган ўн чоқли қариндош аёллар ҳам кўришиб, қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрашиб.. ҳар қайсиси ўз билганча дуо қилишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир соатдан сўнг ироқ-ёвуқдан тўйга даъват қилинганлар кела бошлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *эск.* Таклиф, чақирув.

Даъват хати (*ёки* **қоғози)** Чақирув хати, таклифнома. *Абдураҳмон.. мударрис амакиларидан Бухоройи шарифга келиб таҳсил қилишга даъват хати олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..ушбу йилнинг 15 апрелида бўладиган соғлиқни сақлаш кўргазмасига даъват қоғози олди.* Газетадан.

ДАЪВАТКОР Маълум иш-ҳаракатга, маслак, ғояга ундовчи, руҳлантирувчи. *Сўз, даъваткор чақириқ каби, жисмингни кучга тўлдириб, қалбингни оловлантиради ва сўнмас зафарларга чорлайди.* Газетадан.

ДАЪВАТНОМА [даъват + нома] **1** Бирор иш-ҳаракатга ёки бирор ғоявий-маънавий маслакка ва ш. к. га даъват этувчи, ундовчи хат, варақа. *Даъватномада қўзғолончилар подшо ҳукуматига қарши ҳаёт-мамот курашига отланганликларини баралла маълум қилдилар.* Газетадан. *Жиззахда урушга қарши ҳаракат қатнашчилари қабул қилган даъватнома остида жуда кўп имзолар ҳамда болаларнинг бармоқ излари бор.* Газетадан.

2 Ёзма таклиф, таклиф хати, таклифнома. *Тошкентлик Мирсоат заргар олтмиш-етмиш маҳалланинг ҳар биридан йигирма-ўттиз кишини сайлаб ёздириб, даъватномалар тарқатибди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ДАЪВО [*а.* دعوى – арз, шикоят, иддао] **1** *ҳуқ.* Бузилган ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш ёки уни ҳимоя этиш ҳақида ҳуқуқни ҳимояловчи ташкилотларга қилинадиган мурожаат, арз. *Пул даъвоси. Мерос даъвоси. Чегара даъвоси. Ўзимдан чиққан балога, Қайга борай даъвога.* Мақол. ▬ *Шу-шу, даъвосида маҳкам турган Элчиев қайтиб терговга бормади: билганини қилсин энди!* Э. Аъзамов, Жавоб. *Судья Ҳадича отинни турғазди: -Айбланувчига даъвонгиз борми? -Қанақа даъвом бўлсин, тақдир экан!* «Ёшлик».

Хун даъвоси *тар.* Ўлдирилган кимсанинг қонига қон олиш ёки қонун йўли билан жазо талаб этиш.

2 Бировни айблаш, туҳмат. *У "мени урди", деб даъво қиляпти.* ▬ *У Араббойга даъво қилмоқда эди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ўзи муносиб бўлмаган ёки ўзида бўлмаган ҳақ-ҳуқуқ ёки хусусият, фазилатларни эътироф этишни талаб қилиш, бу йўлдаги уриниш, иддао. *Биринчилик даъвоси.* ▬ *Саройда барча: шариат пешволаридан тортиб то кичкина амалдоргача шоирлик даъво қиларди.* С. Сиеев, Ёруғлик. *Баҳодирлик даъво қилиб юрибсан, Бек отангнинг тулпорини минибсан.* «Маликаи айёр». *Шунақа оилалар борки, ота-онасининг илми унчалик эмас, билимдонликни даъво қилмайдилар.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Узум узсам узумзордан бир шингил, Асалман дер, ширинликда даъвоси.* С. Абдулла.

4 Жавоб талаб қилинувчи мулоҳаза, фикр. *Олтин чиримас, даъво қаримас.* Мақол. ▬ *Пўлатжон Зебининг бу даъвосига нима дейишини билмай, ўйланиб қолди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *-Куладиган гап эмас бу, кулманглар, — деди Маъсумаой ўз даъвосини исботлашга уриниб.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

5 *эск. айн.* **теорема.**

ДАЪВОГАР [*а. + ф.* دعواگر – даъво қилувчи] **1** *ҳуқ.* Ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳақида тегишли жойларга расмий ёки ғайрирасмий арз қилган, талаб қўйган фуқаро ёки юридик шахс. *Ўғри зўр бўлса, Даъвогар жавобгар бўлар.* Мақол. *Даъвогар қози бўлса, Дардингни оллога айт.* Мақол. ▬ *Ўғри қутулиб, даъвогар судга тортилган вақтлар кўп бўлган.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. *Нега уч йилдан бери индамай келган хотин бирдан даъвогар бўлиб қолибди?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ўзида йўқ ҳақ-ҳуқуқ, хусусият ёки фазилатларнинг эътироф этилишини талаб қилувчи. *-Менга даъвогар? Подшоҳлик ҳақига даъвогар, — деди амлокдор.* С. Айний, Қуллар.

3 Мусобақа, танлов, спорт ўйинларида юқори ўрин учун курашувчи. *Футбол командамиз биринчи ўрин учун даъвогарлардандир.*

ДАЪВОГАРЛИК Ўзини даъво қилишга ҳақли деб ҳисоблаш; даъволашиш. *Икки киши ер талашиб қолишибди. Ҳар бири ерга даъвогарлик қилиб, далил келтира бошлабди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Мусобақада*

республикамиз ёшлари ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилади. Газетадан.

ДАЪВОЛАШМОҚ Ўзаро ҳақ-ҳуқуқ талашмоқ, бир-биридан ҳақ талаб этиб, жанжаллашиб юрмоқ.

ДАЮС [*а.* دیّوث – қўшмачи] **1** Ўз хотинини бировга қўшиб берувчи; қўшмачи, далла. *Сидиқжоннинг ранги бўзариб кетди: -Мен даюс эмасман! Бунақа қўшмачилик сизлардан келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қаттиқ сўкиш ибораси. *Ўҳ, даюс!.. Бу пичоқ неча гуноҳсизнинг ёстиғини қуритган экан!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Уйидан илон чиқдими бу даюснинг, каллаи саҳар изғиб қолибди?* Тоҳир Малик, Ажаб дунё.

ДАҚЁНУС, даққиюнус [*а.* دقیانوس < *лот.* қадимги Рим императори Диоклетиан (Diocletianus, милодий 284-305)нинг Шарқ халқлари орасидаги номи]: **дақёнусдан қолган** 1) қадимдан, алмисоқдан қолган, жуда эски, қадимий. *Мен болаларни Қудратилла қори сингари янги усулда ўқитишни билмаганим учун дақёнусдан қолган усул билан ўқитар эдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари; 2) жуда ҳам эскириб кетган. *Гулнор дақёнусдан қолган кафшини кийиб, чирик паранжига ўралиб, Йўлчи билан жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДАҚИҚА [*а.* دقیقه – минут; зарра; нозиклик] **1** Соатнинг олтмишдан бир бўлагига тенг вақт; минут. *..Вақт. Биз уни бўламиз дақиқа, соатларга.* Р. Парфи, Кўзлар. *Ҳар дақиқа, ҳар сония ғанимат, вақтни ўтказмай, чолни кўндириш керак.* «Ёшлик». *Ҳамма бир неча дақиқа бош эгиб, жим қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Умуман, вақтнинг жуда қисқа бўлаги; он, лаҳза. *Бир дақиқа, фақат бир дақиқа кўзларимиз тўқнашди.* «Ёшлик». *Гоҳгоҳда нафас ростлаш дақиқаларида ерга урилган кетмон товушлари эшитилади.* И. Раҳим, Ихлос. *Бу дақиқалар унга ҳам лаззатли, ҳам азобли туюлар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДАҚИҚАЛИ 1 Дақиқадан иборат, дақиқа ўлчовидаги. *Уч дақиқали курашдан сўнг Мутал бўшашди, илгариги кучанишлардан қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Жуда қисқа, бир онли. *Бир дақиқали иш.* ▬ *Икки қўшнининг ҳовли юзида бўлган бир дақиқали суҳбатини уйда, дераза тагида ўтириб, чала-ярим эшитиб қолдим.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

ДАҚИҚАЛИК *айн.* **дақиқали 1, 2.** *Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баъзан бир дақиқалик учрашув ҳам неча йиллар ёдда туриши мумкин.* И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

ДАҚҚИ 1 Ишлатилавериб ишдан чиққан, ҳолдан тойган, шарти кетиб, парти қолган. *Даққи от.* ▬ *Раисимиз даққи Содиқ, Калити йўқ эски сандиқ.* Т. Йўлдош, Аттанг.

2 Кўп иш кўриб ёки дакки еявериб чарчаган, лоқайд бўлиб қолган (одам ҳақида). *Бундай совуқ сўзларни жуда кўп эшитиб, даққи бўлиб қолган..* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 *шв.* Кўп гапирувчи, маҳмадона, вайсақи.

ДАҚҚИЮНУС *с.т.* Дақёнус. *Кўча томондан қараганда кўримсиз, даққиюнусдан қолган ўймакор эшик ғирчиллаб очилади.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳар қандай истеъдодни ўзимизнинг даққиюнусдан қолган тор ва эски қолипимизда ўлчаб кўрамиз* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

ДАҒАЛ 1 Кўриниши, тузилиши беўхшов; қўпол. *Дағал бармоқлар.* ▬ *Мен беканинг дағал қўлларини ўпдим.* «Ёшлик». *Назарга хотиннинг бармоқлари серпай, дағал туюлди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 Табиий ҳолда қаттиқ; майин, силлиқ эмас. *Дағал соч. Дағал жун.* ▬ *Мулла Икром баланд бўйли, дағал соқол.. бир киши эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳар йилгидан кўра кўпроқ силос, сенаж ва дағал хашак бостирилди.* Газетадан. *Унинг пешонаси устида ҳурпайган тимқора, дағал сочлари лампа шишасига қарийб тегиб турарди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Қўпол ишланган, жўн. *Дағал мовут. Дағал қоғоз.* ▬ *Дағал сахтиёндан этик кийган оёқларини кериб.. пичан уюмларини аравага ортарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Ҳазм бўлиши қийин, бадҳазм. *Дағал овқат.* ▬ *Мол гўштида эса бирлашма тўқима кўп ва дағал бўлгани учун қаттиқ ва ҳазм бўлиши қийин.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

5 Кишига қаттиқ тегадиган, қаттиқ ботадиган; совуқ, қўпол. *Дағал гап. Дағал муомала. Дағал одам.* ▬ *Раиснинг.. дағал гапириши Козимга ёқмади.* Э. Усмонов,

Ёлқин. *Муҳаммади дағал гапириб, унинг таъбини хира қилди.* «Муштум». *У дағал ва совуқ товуш билан ўқиди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *[Давроновнинг] Муомаласи дағал, оғзи коски бўлиб, одамларни оёқ учида кўрсатарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Кампир дағал жавоб берди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ДАҒАЛЛАШМОҚ 1 Тобора дағал, қўпол бўлиб бормоқ. *Назира жуда ўзгариб кетибди: ..кўзлари атрофида ажин қўнгандай, қўллари дағаллашиб, бу дағаллик бутун қоматига ҳам уриб тургандай.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 *кўчма* Хатти-ҳаракати қўполлашмоқ, қўрслашмоқ. *Дағаллашдим — салга жаҳлим чиқади, Инжалашдим — салга қувончим дунё.* Р. Парфи, Кўзлар.

ДАҒАЛЛИК 1 Нарса, буюмнинг майин, юмшоқ эмаслиги; қаттиқлик; қўполлик. *Қўлнинг дағаллиги. Бу мато дастурхон учун дағаллик қилса керак.* ▬ *-Форманинг [Ҳамдам форма] қўли унга дағаллик қилмасмикан? — деди кулимсираб.* С. Айний, Қуллар.

2 Муомала, гап-сўзнинг қўполлиги; қўрслик. *Назар тўсатдан дағаллик билан гап бошлади.* Э. Усмонов, Ёлқин. *-Мен одамларга, хотин-халажга қилаётган дағаллигингизни айтмай қўя қолай, — деди Инобат.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Жўра қоровулни қучоқлайди, унга дағаллик қилгани учун узр сўрайди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

3 Қўполлик билан қилинган хатти-ҳаракат. *Нари-бери кўз югуртиргач, хотинига бақрайиб қолади, сўнг Мунисхоннинг билагини чангаллаганича, дағаллик билан уйи томон судрайди.* «Гулдаста». *Ойсулувхоннинг дағаллиги Сувонжонга қаттиқ тегди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ёш ходимдан бундай дағаллик кутмаган Толиб ака тутақиб кетди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ДАҒ-ДАҒ: дағ-дағ титрамоқ (*ёки* **қалтирамоқ**) Бирор касалликдан, совуқдан ёки қаттиқ қўрқувдан ияги иягига тегмай, қалт-қалт титрамоқ. *Келиннинг ранги қув оқариб кетган, дағ-дағ титрар эмиш.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Қўрқув ичида дағ-дағ қалтираётган Қумри эрининг ёнига ўтиб, унга кўмаклашди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДАҒДАҒА [*а.* دغدغه — ҳаяжон; қўрқинч] **1** Ваҳима ёки шовқин солиб қилинган дўқ, пўписа. *Милтиқ кўтарган билан овчи бўлмас, Дағдаға солган билан довчи бўлмас.* Мақол. ▬ *Латофат Рўзиевнинг овозидаги дағдағани энди пайқагандай, сесканиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг.

2 Қўрқитиш учун кўтарилган жанжал, низо. *Биз бу дағдағаларни ўртадан кўтаришга ҳаракат қилурмиз.* Ойбек, Навоий. *Маҳаллада ҳаммага дағдаға қилиб ўрганган Фотима "законче" деган ном ҳам чиқарган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Шовқин-сурон, овоза; дабдаба. *Уч юз одами билан салтанати дағдағаси ерни титратиб, жўнаб кетди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Бу ҳам хонлик даврини суриб, подшолик дағдағасини қилиб, неча йил, неча ой ўтди.* «Муродхон».

4 *кам қўлл.* Ташвиш, безовталик, уриниш. *Шаҳарнинг шоирлари.. қофия дағдағаси билан оғрийдилар.* Ойбек, Навоий.

5 *кўчма* Хавф солиш, туғдириш. *Кўп ўтмай қорамтир булутлар кўк юзида дағдаға қила бошлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Вақт ярим кечадан ўтганда, ҳавонинг дағдағаси зўрайди.* Й. Муқимов, Матонатли кишилар.

ДАҲА I [*ф.* < *суғд.* ده — қишлоқ] *тар.* Ўрта Осиё хонликларида: қишлоқ жойларида бир неча қишлоқдан, йирик шаҳарларда эса бир қанча маҳалла, мавзедан иборат бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик. *Мирзакаримбойни Тошкентнинг тўрт даҳаси билади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёзнинг жазирамасида бутун даҳада бунчалик салқин, сўлим чойхонани топиш қийин.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Дарров уч кишини Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларига хабар учун жўнатишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАҲА II [*ф.* دهه — ўнталик; ўн йиллик; ўн кун] **1** *тар.* Ўтмишда Бухоро амирлигида ўнта пиёда аскардан иборат бўлган ҳарбий бўлинманинг номи.

2 *дин.* Рамазон ойида ўтказиладиган ўн кунлик ибодат ва у билан боғлиқ маросим. *Рамазон ойининг сўнгги ўн куни қолганда, эшон домланинг муридларидан олтмиш-етмиш киши мадрасага йиғилиб, "даҳа" номидаги ибодатга ўтирар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ДАҲА III [*ф.* دهه] *махс.* Ипак қуртининг уйқуга кириш палласи, ёши. *Даҳада қуртни мумкин қадар түйдириш, сўнгра дастага киритиш керак.* Газетадан. *Қурт даҳага кирдими, колхоз араваси кетма-кет шаҳарга ғизиллайди.* С. Аҳмад, Сайланма.

Даҳага кирмоқ Уйқуга кирмоқ (ипак қурти ҳақида). *..қурт даҳага кириб, баргни икки баравар ортиқ ҳазм қилади.* Газетадан. *Ҳаммалари, даҳага кирган қуртдек, овқатга ташланишди.* «Муштум». **Катта даҳа** Ипак қуртининг тўртинчи ва бешинчи уйқуси. *Пилла қурти катта даҳага кирганда, одамни шошириб қўяди.* Газетадан. **Кичик даҳа** Ипак қуртининг биринчи, иккинчи ва учинчи уйқуси. *Ҳа, нима қилай, холанг ўргилсин. Қуртларим учинчи даҳага кирган, шошириб қўйишди мени!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Охирги даҳа** *айн.* **катта даҳа.** *Ёдгор соғайиб, охирги даҳада турган пилла қуртидай бўлган эди.* С. Айний, Дохунда.

ДАҲАБОШИ *тар.* Бухоро хонлигида: даҳани (*қ.* **даҳа** I) бошқариш учун сайлаб қўйилган маъмур, амин.

ДАҲАН [*ф.* دهان , دهن – оғиз] **1** *с.т. айн.* **оғиз** I **2, 3.** *Учи даҳанига қараб эгилган қинғир бурнини ғалати қимирлатиб, ўрнидан турди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Мунираниинг пешонаси дўнгроқ, даҳани кулча юзига номуносиб тарзда каттароқ эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Холи қолган Жанна эркаланиб, Умиднинг даҳанидан секин ўпиб қўйди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Сўзамоллик, гапга чечанлик; ваъдабозлик. [*Турдимат*] *Лафзида турмайдиган йигит. Шу даҳани билан шунча йил раислик қилганига доғман.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Бирор нарсанинг кираверишжойи, очиқ томони, лаби. *Муллажон белбоғининг қатидан носқовоғини олиб, кафтини тўлдириб, нос отди, хотиржам юриб келиб, айвоннинг даҳанига ўтирди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Муроджон ишдан келса, онаси кийимларини тугиб, айвон даҳанида ўтирибди.* С. Аҳмад, Сувлар оқиб кетди.

ДАҲАНА [*ф.* دهانه – кириш ёки чиқиш тешиги; тўп, милтиқ оғзи; дарёнинг этак қисми] **1** *қ.х.* Экинга сув қўйиш учун қилинган ўйиқ жой; ариқча бошланган жой. *Сафарбаров беихтиёр, гўё пахтазорга ўт кетгандек, даҳанадан даҳанага, уватдан уватга югурди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Ҳар бир бригада уч-тўрт даҳанадан сув ичарди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

2 Сув ўтадиган қисқа, тор ўзан. *Қўшчинордан бир ярим километр юқорида бири юз эллик, иккинчиси яқин юз қадам келадиган иккита даҳана бўлиб, тошқин суви шу ерлардан ўтар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Хайрибни ирим-сиримга бориб, тегирмоннинг сув айланиб тушадиган даҳанасидаги катта қора тол остига чироқ ёқиб келди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 *айн.* **даҳан 3.** *Айвон даҳанаси. Уй даҳанаси.* ▬ *Чойхона кўчанинг шундай даҳанасида, катта ҳовузнинг бўйида эди.* Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим. *Ҳожи бобо чарчаган кишилардай уҳ тортиб, супа даҳанасига ўтирди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

4 Даранинг бошланиш жойи; дара оғзи.

5 *махс.* Пичоқ қинининг оғзи.

ДАҲАНАК [*ф.* دهانک , دهنک – оғизча] *шв.* Пичоқ қинининг оғзини пичоқ кесиб кетмаслиги учун унга кумуш ёки мисдан ясаб кийдириладиган ҳалқасимон қисм.

ДАҲАНАКИ [*ф.* دهنکی – оғизда бажариладиган; оғзаки]: **даҳанаки жанг** Оғзаки жанжал, қаттиқ айтишиш, сўкишиш. *Тўйхонанинг чекка хоналаридан бирида Жалил ака билан Собира опа ўртасида хуфиёна даҳанаки жанг кетарди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Мирзаёр мингбоши билан Дамин кулол ўртасидаги даҳанаки жанг ёқама-ёқага ўтди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ДАҲБЕДИ Туси оч яшил, сирти текис, сертўр, эртапишар қовун нави.

ДАҲБОШИ *тар.* **1** Ўнбоши, ўнта сипоҳнинг бошчиси, даҳа саркардаси (*қ.* **даҳа** II **1**). *..сизлар неча йилдан бери сарбозлик қилиб, даҳбоши, қўрғаси бўлиб, жанобиолийнинг нону намакларини еган кишиларсиз.* С. Айний, Қуллар. *Бу янглиғ ҳукмимизни.. барча бекларимизга, ҳоким, қўрбоши ва даҳбошиларимизга билдириб қўюрмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *айн.* **даҳабоши.**

ДАҲЛИЗ [*ф.* دهليز – кириш жойи; усти ёпиқ йўлак] Уйнинг кираверишига қурилган, одатда пойабзал ва уст кийимлар ечиб кириладиган биринчи хона. *Мулла Фазлиддин ҳўл бўлиб оғирлашган пиёзи чакмони ва этигини даҳлизда ечиб қолдирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Даҳлизда ёмғирпўши билан туфлисини ечиб, ичкарига ўтди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Зеби нам тортиб кетган даҳлизда калишини ечиб, ўнг қўлдаги хонага кирди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ДАҲМАРДА *шв. фольк.* Қўй-мол боқувчи хизматкор. *Бу майдонда қўйни боққан даҳ-*

марда, биёбонда бир номардни кўрдингми? «Нигор ва Замон». *Бойсари кўчса, биз ҳам кўчамиз деб, ҳаммаси чўпонларига, йилқичиларига, туячиларига — ҳамма даҳмардаларига одам юборди.* «Алпомиш».

ДАҲО [*а.* دها — зийраклик, заковат; айёрлик] **1** Фавқулодда ақл ва заковат, тенгсиз ижодий истеъдод. *Шаҳар [Навоий]даги кўп нарсалар Навоий даҳосини, унинг буюк инсонпарварлигини эслатиб туради.* «Саодат». *Фольклор халқ даҳосининг туганмас булоғи бўлиб, ёзма адабиёт ҳар доим ундан баҳра олиб келади.* «ЎТА». *Буюкларга бахш этган даҳо, Она халқим, ўзингсан буюк.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 Шундай фазилатга эга бўлган кимса; гений. [*Мансур:*] *Бу шеър даҳосига минг йил умр бер! Бу элнинг фахридур шоир Алишер.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ДАҲОВИЙ Даҳоларга хос бўлган, даҳо фазилатига эга. *Теграмдаги хилқат турфа ранг эди, Менда-ку йўқ эди даҳовий қудрат.* А. Исроилов, Югурик нур.

ДАҲОЛИК Даҳо даражасига етганлик, даҳоларга хос фазилатга эгалик. *Гёте қобилиятдан юқориси истеъдод, истеъдоддан юқориси даҳолик, деган эди.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ДАҲР [*а.* دهر — замон, аср; қисмат, тақдир] *эск. кт.* **1** Замон, давр. *Даҳрнинг бақосиз ва вафосиз эканини айтади, унинг кажрафторлигидан нолийди..* «ЎТА».

2 *кўчма* Олам, дунё, жаҳон. *Даҳр ишидин силкқан этак, Икки қўлда икки суяк.* Миртемир. *Баъзан даҳр-дунёдан кўз юмишдек мудҳиш дамларни ўйлаганда, ҳар қандай кишининг ҳам юраги орқага тортиб кетади.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ДАҲРИЁНА Даҳрийликка хос, даҳрийлик руҳидаги. *..деворлари даҳриёна кўринишхонада Николай* II *меҳмонларни қабул қилди.* С. Сиёев, Аваз. *..шулар ичида Ҳамзахоннинг даҳриёна шеърлари ҳам бор экан.* К. Яшин, Ҳамза.

ДАҲРИЙ [*а.* دهرى — асрий; материалист, худосиз, атеист] **1** Дунё ҳодисаларини табиат қонунларидан деб билувчи, охиратга инонмовчи киши; материалист. *Тўппа-тўғри айтаман: мен даҳрийлар сафида!* Миртемир, Тингла, ҳаёт! *Мен ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасдан, бу “даҳрий” мулла билан суҳбатдош бўлиб, ундан кўп нарса ўргандим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Аллоҳнинг борлигига ишонмовчи; худосиз, шаккок. *-Аваз лаъин, даҳрий, — деб қўйди муфти, қозондай саллали бошини чайқаб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Эшоннинг этагини ушлаб кетган мурид даҳрий бўлиб қайтди.* «Саодат».

ДАҲРИЙЛИК Аллоҳнинг борлигига ишонмаслик; шаккоклик, худосизлик. *Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, дунёвийлик, айрим ақидапарастларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло даҳрийлик эмас.* Газетадан. *Ўрта асрларда ашаддийлашган диний экстремизмга қарши жавоб тариқасида атеизм, даҳрийлик келиб чиқди.* Газетадан. *Одатда, диндор кишиларни даҳрийликка олиб борадиган йўл у ёки бу диний афсонанинг тўғрилигига шак қилишдан бошланади.* М. Бўрихўжаев, Сўзбоши. *Бунинг учун бизга даркор нарсалар фақат дин ва оллонинг каломи — Қуръондир. Буни инкор қилмоқ даҳрийликдир.* Ойбек, Улуғ йўл.

ДАҲСАР [*ф.* ده — ўн + سير — ботмоннинг қирқдан бири] Ўтмишда баъзи ҳудудларда ўттиз икки килограммга, баъзи ҳудудларда тўртдан бир ботмонга тенг бўлган оғирлик ўлчови. *Боғни боқсанг, боғ бўлади, ботмон даҳсар ёғ бўлади.* Мақол. *Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор.* Мақол.

ДАҲШАТ [*а.* دهشت — ҳайронлик, ҳайратда қолиш] **1** Ниҳоят даражадаги қўрқинч, хавф, ваҳима. *Тун даҳшати. Уруш даҳшати.* ▬ *Даҳшатдан юрагим орқага тортиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ёдгор даҳшатдан қотиб қолган, ҳеч нимага тушунолмасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўзлари даҳшат билан чақнади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Азоб-изтиробга солувчи мудҳиш аҳвол, воқеа-ҳодиса, манзара. *-Даҳшат! — деди меҳмон, — туни билан кўзимни юммай чиқдим.* «Муштум». *Андижонда бўлган воқеалар даҳшати Тоҳир қиёфасига кириб, Бобурга тобора яқинлашиб келмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Биз бу даҳшатларни бировдан эшитган эмасмиз, ўз кўзимиз билан кўрганмиз* Р. Файзий, Таъзим.

3 Ортиқ даражада қўрққан, ваҳимага ёки азоб-изтиробга тушган кишининг кўриниши, руҳий ҳолати. *Даҳшат солмоқ. Даҳшатга келмоқ (тушмоқ).* ▬ *Муқаддам даҳшат ичида эшикка ёпишди.* Ў. Ҳошимов,

Қалбингга қулоқ сол. *Нигоранинг ҳамон қўрқинч, даҳшат тўла кўзларида миннатдорчилик учқуни йилтиради.* С. Анорбоев, Оқсой. *Отабек масалага тушунгандек бўлди ва даҳшат ичида Али билан йўлга тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАҲШАТЛАНМОҚ Ортиқ даражада қўрқмоқ, ваҳимага тушмоқ. *Отабек даҳшатланиб, ёнидаги Алига қаради, Али эса ётган жонсиз гавдаларга қараб, лабини тишлаб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хатни ўқиб, сизнинг даҳшатланишингиз эмас, қувонишингиз, душманингизни юзтубан қилгани учун ҳақ таолога шукур айтишингиз керакдир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАҲШАТЛИ **1** Қаттиқ қўрқув туғдирувчи, даҳшатга солувчи, ўта қўрқинчли, мудҳиш. *Даҳшатли зилзила. Даҳшатли фожиа.* ▬ *Ҳаммаёқда даҳшатли зилзила излари кўринади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Гулнорнинг кўзлари даҳшатли равишда ёниб, юзи, лаблари кўкимтир тусга кирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кишини ваҳимага солувчи, ваҳимали; қўрқинчли. *Даҳшатли хабар. Даҳшатли шовқин.* ▬ *Девонхона эшигида даҳшатли шовқин, ур-йиқит бошланди.* Ойбек, Навоий. *Бир лаҳза даҳшатли жимлик ҳукм сурди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Қаттиқ азоб берадиган, чидаб бўлмайдиган. *[Йўлчи] Бутун вужудини зирқиратган даҳшатли оғриқдан тишларини маҳкам қисди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эртага унинг устига дўлдай ёғиладиган тошларнинг оғриғи қанчалик даҳшатли бўларкин?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ДАҲШАТХОНА Қўрқинч ва азоб-уқубатга тўла жой, хона. *Маҳди терлаб кетган, оғзини катта-катта очиб ҳансираб, бу даҳшатхонадан тезроқ чиқиб кетгиси келарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДАҲЯК [*ф.* ده يک – ўн ҳиссадан бир ҳисса] *тар.* **1** Қўқон ва Бухоро хонликларида деҳқонлардан етиштирилган ҳосилнинг ўндан бир қисмининг солиқ ҳақи тариқасида олиниши; ушр. *У [бувим] айтарди: -Вақф даҳягини уйлари куйгур амлокдор билан ижарадор икки баравар қилиб олдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Бухоро амирлигида вақф ерларидан олинган даромаднинг мадрасаларнинг махсус имтиҳондан ўтган муллаваччаларига бериладиган қисми.

3 Ўрта Осиёда: ўтмишда ер, улов, уруғлик, овқат ва б. ҳамма харажатларни ер эгаси (хўжайинлар)дан олиб, ҳосилнинг ўндан тўққиз ҳиссасини ер эгаси, ўндан бир ҳиссасини ўзи олиш шарти билан деҳқончилик қилиш тартиби. *Ҳув оқ ерни қирқ йил экдим даҳякка. Анови ерга қуриб олдим чайламни.* Ғ. Ғулом. *-Энди, – деди Назарбой, – берилган арпанинг даҳяги ҳисобидан менинг қопимга бир ғалвир сол.* С. Айний, Қуллар.

ДАҲЯКЧИ *тар.* **1** Даҳяк солиғини йиғувчи амалдор (*қ.* **даҳяк 1**). *Даҳякчининг ҳаракатидан ботирланган мулла Наврўз.. қамчисини олиб, Ҳайдарнинг бошига солди.* С. Айний, Қуллар.

2 Мадрасаларнинг махсус имтиҳондан ўтиб, даҳяк олиш ҳуқуқини қўлга киритган муллаваччаси.

3 Ҳосилнинг ўндан бирига эгалик қилиш шарти билан ер экувчи деҳқон (*қ.* **даҳяк 3**).

ДВИГАТЕЛЬ [*р.* «двигатель» – ҳаракатлантиргич; қўзғатувчи] Энергиянинг бирор турини механик энергияга айлантирувчи ва бошқа машинани ҳаракатга келтирувчи машина. *Ички ёниш двигатели. Поршенли двигатель. Реактив двигателлар.* ▬ *Барча деталлари керамикадан ясалган ички ёнув двигатели яратилди.* «Фан ва турмуш». *Двигателнинг овози ўчди, вертолёт пастга шўнғий бошлади.* Газетадан.

ДВИЖОК [*р.* «движок» – ҳаракатлангич] Ички ёнишли двигателдан ёки бошқа бирор манбадан энергия олиб ишлайдиган кўчма электр станция. *Олимжон қўлини кўтариб, кичкина движок тақиллаётган жойни, дала шийпонида чақнаб турган чироқларни кўрсатди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Аллақаерда движок тапиллади.* П. Қодиров, Эрк.

ДВОРЯН Дворянлар табақасига мансуб киши; оқсуяк, зодагон.

ДВОРЯНЛАР [*р.* «дворянин», «дворяне» – князь, подшо саройида хизмат қилувчи шахс] Россияда феодализм ва капитализм даврларида хизмат кўрсатиб, мартаба орттирган помешчик ва мулкдорлар, уларнинг авлодларидан ҳамда подшоҳга хизмат кўрсатиб, мартаба орттирган амалдорлардан иборат ҳукмрон, имтиёзли табақа; оқсуяклар, зодагонлар. *Дворянлар даври. Дворянлар ҳукмронлиги.*

ДЕ- [*лот.* de – инкорни ифодаловчи олд қўшимча] Олд қўшимча: 1) ажратиш, узоқлаштириш, бекор қилишни ифодалайди, мас., *дегазация, демонтаж;* 2) пастга қараб ҳаракатланишни, пасайишни ифодалайди, мас., *дегенерация.*

ДЕБ 1 Демоқ фл. рвдш. *Ҳаёт давомида икки туп ниҳол экиб, ўстирган инсон ўз умрини мазмунли ўтди, деб ҳисоблашга ҳақлидир.* Газетадан. *Бекмуродов деб ёзилган.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Қўшма гап таркибида боғловчи вазифасида келади. *Ҳар киши тер тўкиб қилади меҳнат, халқимнинг турмуши обод бўлсин деб.* Ғ. Ғулом. *Латофатхон бу хатга ҳам жавоб қайтармаганидан кейин, Мирзаев "унақа гаплар мижозига тўғри келмади шекилли" деб, қаттиқ хижолат тортди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

ДЕБЕНТУРА [*лот.* debere – қарздор бўлмоқ] Божни қайтариш ҳақидаги божхона гувоҳномаси.

ДЕБЕТ [*лот.* debet – у қарздор] *бухг.* Кирим-чиқим дафтарининг кирим, яъни ундирилган қарз, даромад ёзиб бориладиган чап томони; *зид.* **кредит.** *-Бухгалтернинг дебет-кредити учма-уч бўлиб туриши керак, – деди Одил.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

ДЕБИТОР [*лот.* debitor – қарздор] *бухг.* Бирор идора, ташкилот ёки муассасадан қарздор бўлган шахс ёки ташкилот; *зид.* **кредитор.** *Дебитор бўлмоқ.* ▬ *[Фазилат:] Мирбадалнинг ҳам эллик минг сўмли дебитор қарзи бор. Уч ойдан бери ҳисоб-китобни чўзиб келади.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда тўлов интизоми бўш, дебитор ва кредитор қарзлар ўсган.* Газетадан.

ДЕБИТОРЛИК Қарздорлик; тўланадиган қарзларга алоқадорлик.

Дебиторлик қарзи Юридик ва жисмоний шахслар тўлаши лозим бўлган қарзлар миқдори. *Корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камаймаяпти.* Газетадан.

ДЕБО, дебоҳ [*ф.* دیبا, دیباه – нафис ипак мато] Бир нав нафис ипак мато; ҳарир. *Падари бузруквор волидага дебо ва атласдан ҳулялар буюриб.. аҳли маҳаллаларга ош тортибдилар.* «Муштум».

ДЕБОН *поэт. айн.* **деб 1.** *Изза қилди дебон зинҳор қойиманг Мендайин гадонинг ёлғиз ўғлини.* «Рустам». *Эҳтиёт бўлинглар дебон, Эслатиб туради ўттиз қўнғироқ.* Тўлқин, Очиқ хат.

ДЕБОЧА [*ф.* دیباچه – муқаддима, сўзбоши; ташқи кўриниш] **1** Китобнинг ранг ва зарҳал билан нақш бериб зийнатланган дастлабки алоҳида саҳифаси; сарварақ.

2 Девон, куллиёт, баёз ва ш. к. га махсус ёзилган кириш мақола; кириш, муқаддима; эпик асарларнинг кириш қисми. *Аҳли шеър балки китобим назми ишқ деб очадир, Йўқ, китобим севгининг девонига дебочадир.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

3 *кўчма* Бирор нарса, ҳодиса, иш-ҳаракатнинг бошланиши; бошлама. *Бу эндиги саволнинг дебочаси эканини синашта бўлиб қолган Шаҳзода дарров пайқади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Олтиариқ станцияси Илҳомжон учун ҳаёт мактабининг дебочаси бўлади.* Газетадан. *Чўққидан чопқиллаб тушган шалола – Дарё дебочаси – қўшиғи сенсан.* Г. Жўраева, Иқбол.

4 Кичик ҳажмли мусиқий асар; мусиқа асарининг кириш қисми.

ДЕБЮТ [*фр.* debut – бошланиш; дастлабки қадам] **1** Шахснинг бирон-бир соҳада биринчи марта ўзини намоён этиши (мас., артистнинг илк бор саҳнага чиқиши). *Битирувчилар «Дебют ёки беш йилдан сўнг» оммавий байрам дастурини.. устозлар, қуйи курс талабалари ҳузурида намойиш этдилар.* Газетадан.

2 Шахмат ёки шашкада ўйиннинг бошланиши, дастлабки юришларни ўз ичига олган бошланғич босқич. *Дебют – ҳар иккала томоннинг ўз доналарини қулай ҳолда жойлаштириш учун олиб борадиган курашидир.* «Фан ва турмуш».

ДЕБЮТАНТ [*фр.* debutant – дебют қилувчи] Бирор иш, ҳаракат (саҳнага чиқиш, спортда қатнашиш)ни илк бор бажарувчи. *..Фақат Абдулла ролининг ижроси учунгина эмас, балки бошқа персонажлар характерининг талқини учун ҳам асосан дебютантлар таклиф этилди.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

ДЕВ [*ф.* دیو – жин, иблис; ёвуз, золим] **1** *миф.* Эртак ва халқ достонларида шохли, думли, бениҳоят улкан одам қиёфасида тасаввур этиладиган, эзгуликка қарши курашувчи хаёлий махлуқ, ёвузлик тимсоли. *Ўсган юртин тоза аниқ билдингми, Сўйла, хоним, деву жинни кўрдингми?* «Муродхон».

Чинор тагида бир супа устида қирқта дев ухлаб ётибди. «Эртаклар». *Девни ўлдириб бўлмайди, дейишади, шу ростми? Унинг қони тўкилса, ҳар томчисидан минг дев пайдо бўлаверади, дейишади. Шу ростми?* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Давангирдай, беўхшов, қўпол гавдали. *[Қизингизни] Эрга бермай, девга бердингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Полвон кетидан Матёз дев ҳам "Полвон оғадан қолишмай", деб ўз кучига яраша ишланган катта ғалтак аравани итариб борарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Сулаймон ўлди — девлар қутулди Қаттиққўл киши кетиб, ҳамма истаганини қила олишига — ўзбошимчаликка имконият туғилиши (мифга кўра, Сулаймон пайғамбар ўзбошимча девларни бандга солиб қўйиган, Сулаймоннинг вафотидан сўнг улар эркин нафас олганлар). *..Нега ҳамманг иш қилмай, бекор ўтирибсанлар? Сулаймон ўлиб, девлар қутулибди-да!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 *кўчма* Даҳшат; қўрқинч; салобат. *Тешабойнинг юрагида бош кўтарган гумон деви Тўрахоннинг.. ўпкаларидан кейин ёта қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Макрнинг, мунофиқликнинг деви ҳамма фазилатларини ўз комига тортибди.* Ойбек, Навоий.

4 *кўчма* Катта, улкан; баҳайбат.

ДЕВАЛАМОҚ Уймоқ, тепа қилиб қўймоқ. *Дилшод завод саҳнида девалаб ташланган пахталар, пала-партиш ётган ёғочлар.. орасида адашиб қолишдан қўрққандек, бир чеккада анграйиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Хирмонда алоҳида-алоҳида тўкилган пахталар деваланиб ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қиз чопганча тушиб, пастда деваланиб ётган шағал уюмлари орасида пайдо бўлди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ [де.. + *фр.* evaluation — баҳо, нарх; қиймат] *иқт.* **1** Миллий валюта қийматининг чет эл валюталари курсига нисбатан пасайиши; валюта расмий қисмининг пасайиши. *..олтин запаслари камайиб кетган тақдирда амалдаги пул системасининг қадр-қиммати пасаяди ва у бошқа қоғоз пуллар чиқаришни — девальвацияни муқаррар қилиб қўяди.* И. Ҳамробоев, Олтин давр.

2 Муомаладаги қадрсизланган пулларни бекор қилиб, бошқа билетлар билан алмаштириш ёки қадрсизланган пул баҳосини тушириш йўли билан ўтказиладиган пул ислоҳоти. *..яъни бу ерда иқтисодий найранглар — пулни девальвация қилишга ўрин қолмайди.* Газетадан.

Очиқ девальвация Эски қоғоз пул муайян қисмининг муомаладан чиқарилиши ёки қадрсизланган пулнинг алмаштирилиши. **Ёпиқ (***ёки* **яширин) девальвация** Муомаладаги қадрсизланган қоғоз пуллардан бир қисмининг улар қийматини пасайтирган ҳолда муомалада сақлаб қолиниши.

ДЕВБАНД [*ф.* دیوبند — девларни боғловчи] Афсун ўқиш билан девларни бўйсундирувчи, девларни енгиб, банд қилиб (боғлаб) қўювчи; афсунгар. *..бизнинг қишлоғимизда ундай одамлар кўп: дуохонликни касб қилиб олиб, ўзларига "Девбанд — дев боғловчи" лақабини таққан одамлар девга ўхшаган одамлардандир.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДЕВДАЙ Девга ўхшаган, девсифат; улкан гавдали, забардаст. *Соқчи мўйловдор, девдек улкан гавдали бадбашара бир йигит эди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Рўпарамда девдай икки йигит турарди.* С. Сиёев, Аваз.

ДЕВЗИРА [*ф.* دیوزیره — катта зирадай] Маҳаллий жайдари шолидан олинадиган йирик, сув кўтарадиган гуруч. *Ота.. сопол товоқдаги девзира гуручнинг курмагини тера бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Девзира гуручнинг палови фамил чойни хуш кўрмайди, аксинча, тўқсон бешинчи кўк чой унга энг муносиб чанқовбостидир.* С. Аҳмад, Сайланма.

ДЕВИЗ [*фр.* devise — шиор; ҳикматли сўз] *айн.* **шиор.**

ДЕВКОР [*ф.* دیوکار — дев каби ишловчи] Чарчашни билмайдиган, ишлаб толмайдиган одам. *Одамлар уни [Лутфуллани] "девкор" дер эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ҳеч эринмай куч тўкибди Кўкан девкор. Ўйламабди: шунча пиёз кимга даркор?* Ғ. Ғулом. *Шодибой чарчашни билмайдиган фавқулодда девкорлардан эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Девкор деҳқон *тар.* Улгуржи ер экувчи катта деҳқон. **Девкор ишлар** Тез суръатлар билан қилинган улкан ишлар. *Бугунги девкор ишларимизни ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди.* Газетадан. **Девкор одим** Тез ва улкан қадам; тез суръатлар. *Республикамиз иқтисодиётининг девкор одимлар билан илгарилаётгани.. ушбу рақамларда ўз ифодасини топган.* Газетадан. **Девкор уста** 1) тез ва улгуржи иш қилувчи уста; ҳунарманд. *У фабриканинг зарбдори, Девкор уста бошчиси,*

басма-басда ҳам. F. Fулом; 2) *тар.* бир қанча уста, халфа ва шогирдларни ишлатувчи корхона эгаси.

ДЕВКОРОНА *рвш.* Девкорларга хос йўсинда, ниҳоятда тез. *Бинокорлик девкорона бир суръат.. билан бормоқда эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ДЕВОЛ *с.т. айн.* **девор**. *Тўққиз пахса эди чорбоғ деволи.* «Гулшанбоғ». *Девол устига девол, Девона бўлай дейман.* «Халқ дурдоналари».

ДЕВОЛЗАН *с.т. айн.* **деворзан**. *Келин чолга қараб: -Пахса урадиган йигирмата деволзан топинг, — дебди.* «Олтин олма».

ДЕВОЛБОП *айн.* **деворбоп.** *Республикамизда ғишт деволбоп материал сифатида ҳали асосий ўринни эгаллай беради.* Газетадан.

ДЕВОН I [*ф.* دیوان — шеърлар тўплами] Муайян бир шоирнинг радиф ва қофияларга риоя этган ҳолда алифбо сираси билан тартиб этилган шеърларининг (достонлардан ташқари) тўлиқ тўплами. *Навоий девони. Нодира девони.* ▬ *Ҳақиқатан ҳам Навоий форсий девони билан Жомийдан сўнг форстожик адабиётини янги бир босқичга кўтарди.* «ЎТА». *Хуфтон намозидан сўнг.. пойчироқ ёнига ўтириб, Фузулий девонини варақлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДЕВОН II [*ф.* دیوان — давлат идораси; суд маҳкамаси] *тар.* **1** Ўтмишда Шарқ мусулмон мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида амал қилган олий давлат амалдорларининг мажлиси. *Топдингиз, соҳиби девон бугун менга ноҳақ озор берди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Девон қурмоқ Олий давлат амалдорлари мажлисини ўтказмоқ.

2 Давлатнинг бош идораси ва айрим вазирликларнинг маҳкамалари; шундай маҳкама биноси. *Иккиси бирга девонга кирдилар. Ишга илгарироқ келган мирзолар ёзув билан машғул эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кундузлари Ўрда девонини бошқариш, эрталаб ва кечқурун ўз уйида хусусий кишиларни қабул қилиш, албатта, Анвар учун оғир эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Девонда ишловчи баъзи мансабдорларнинг унвони. *Худойберган девоннинг уйи ҳам Патракда эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..илоннинг ёғини ялаган Мадраим девон олдида жинка (пакана) ип эшолмайди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Мирзойи девон Давлат олий маҳкамасини идора этувчи амалдор, бош мирзо.

4 Ҳозирда Ўзбекистонда: Президент томонидан тузилиб раҳбарлик қилинадиган, Президентнинг самарали фаолият юритишини таъминлайдиган ижро этувчи ҳокимият идораси.

ДЕВОН III [*ф.* دیوان — гилам тўшалган супа] *с. т.* Диван. *Девонда ёнбошлаб ётган Аббосхон Саидийнинг ҳурматига қимирлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ДЕВОНА [*ф.* دیوانه — телба, ақлсиз] **1** Ақлдан озган, эси паст; телба, савдойи. *Девонадан ой боши сўрама.* Мақол. ▬ *Бечора.. ўғлининг қатлидан кейин девона бўлиб қолибди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳўкизман деса индаманг, девонага эътироз билдириб бўлмайдур.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *дин.* Аллоҳнинг васлига етишиш умидида зикру самога берилиб, бу дунё ишларидан воз кечган суфий, дарвешсифат одам. *-Ё ҳув, ё ман ҳув, пирим Нақшбанд девона қўлласинлар, — деб* [*қаландар*] *лаълини олиб бориб, чош бошида чўккалаб ўтирган имомнинг олдига қўйди.* С. Айний, Қуллар. *Йигит ўчоқ олдига келаётиб, зикрчиларни калака қилаётгандай такрорлади: Муллабозор девона, ҳақ дўст, ё олло!* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Бирор мақсад, ҳаракатга тамоман берилиб, эс-ҳушдан ажралган. *Эй дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб. Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.* Ҳамза. *Лайли ёримдан айрилиб Девона бўлдим, найлайин.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Ўзин афсун этиб, бўлди афсона, Девон битолмасдан бўлди девона.* Газетадан.

4 Хайр-садақа билан кун кўрувчи; гадо, тиланчи. *Девона ҳам хуржунини бир йўқотади.* Мақол. *Бегона тупроқ — девона тупроқ.* Мақол. ▬ *Дўстлар, бечора, қашшоқ, камбағал девонаман. Най чалиб, ҳар ерда ўқирман ғазал, девонаман.* Муқимий. *Ҳиммат қилиб, шу девона боланинг йўлига садақа қилишларингизни сўрайман.* «Гулдаста».

5 *с.т.* Эркалатиб гапирганда ёхуд ҳазил тариқасида “жиннивой”, “тентаквой” каби маъноларда ишлатилади. *-Девона бўлдингми? — деди Сафар чўтир ранги оқариб.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Пул йўқ, девона, пиёда жўнайсанми?* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЕВОНАВАЧЧА [*ф.* دیوانه‌بچه — девонанинг боласи] Қаландарнинг, тиланчининг,

гадонинг боласи, фарзанди. *Бозор халқи мендай тарки дунё қилган девонаваччани кўриб, қаландарларга бўлган ихлослари ҳаддан зиёда ошмоқда.. эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ДЕВОНАВАШ [*ф.* ديوانه‌وش – девонага ўхшаш] *кт.* Девонасифат, девоналарга ўхшаган. *У шоир халқи девонаваш бўлади, деб эшитган-у, лекин ҳалигача гужумга боғланган шоирни кўрмаган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДЕВОНАВОР [*ф.* ديوانه‌وار – жинни, телба; телбаларча] **1** *рвш.* Девоналар каби, девоналардек, телбаларча. *Девонавор йиғламоқ.* ▬ *Девонавор бўлдим ёрнинг дастидан, Шамшод излаб ошдим тоғлар устидан.* «Тоҳир ва Зуҳра».

2 Девоналарники каби, девоналарникига ўхшаш. *Зорий Хиванинг атоқли уламоларидан.. бироқ энгил-бошига қарамас, аксар девонавор кийимда юрарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДЕВОНАЛИК 1 Эси пастлик, жиннилик. *Колхоз қандай бўлишини мен ўзим яхши билмагандан кейин, кишига ўзим билмаган нарсалар тўғрисида маслаҳат беришим девоналик бўлади, тақсир.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Хайр-садақа сўрашлик; гадойлик, тиланчилик. *Юрт эгаси девоналик қиларми? Мен Гўрўғли эмас, отим Хушкелди.* «Хушкелди».

ДЕВОНАСИФАТ [девона + сифат] Девонага ўхшаш, девона каби, девонамонанд. *Унинг хаёлпараст, меров, девонасифат одам эканлиги афтидан ва қилиғидан билиниб турар эди.* М. Осим, Элчилар. *Латофатнинг ўзи ҳам.. муҳаббат туйғусидан девонасифат эди ҳозир.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ДЕВОНБАЧЧА [*ф.* ديوانبچه] Тўқувчи уста ва девкорга ёлланиб ишловчи халфа.

ДЕВОНБЕГИ [*ф.* + *т.* ديوانبيگى – маҳкама, девон бошлиғи] *тар.* **1** Бухоро ва Хива хонликларида девоннинг бошлиғи. *Хосхонада Муҳаммад Раҳимхон, вазири акбар Матмурод девонбеги, қозикалон, муфти – тўртовлон чой ичиб ўтиришарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Маслаҳатим яхши англаб туринглар: Оталиқни девонбеги қилинглар.* «Муродхон».

2 Хон саройида кирим-чиқимни, пул ва озиқ-овқат ҳисобини олиб борувчи амалдор. *Девонбегилар авлодига мансуб бўлган.. Шерназарбой Исломхўжани ич-ичидан ёмон кўрар, азалдан адовати бор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ДЕВОНБЕК *айн.* **девонбеги.** *Хазина ҳисобини олиш учун келган девонбекларни ўлдириб, ўрда дарвозасига осди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДЕВОНХОНА [девон + хона] *тар.* **1** *айн.* **девон** II **2.** *Анвар девонхона саҳнига етганда, ичкаридаги каттадан кичик мирзо, муншийлар янги бошлиқларини муборакбод қилғали ўринларидан қўзғалдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Девонхона эшигида даҳшатли шовқин, ур-йиқит бошланди.* Ойбек, Навоий.

2 Бухоро хонлигида: суд, суд маҳкамаси, қозихона.

ДЕВОР [*ф.* ديوار – ғов, тўсиқ] **1** Бинонинг, уйнинг томни кўтариб турувчи ёки хоналарга ажратувчи тик кўтарилган қисми. *Уй девори. Ҳужра девори. Ёмонга суркансанг, доғи юқар, Деворга суянсанг – тупроғи.* Мақол. *Деворнинг сичқони бор, Сичқоннинг қулоғи бор.* Мақол. ▬ *Хонанинг шифти ва деворлари кўҳсиз, лекин ялтироқ бўёқлар билан бўялган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Бирор ерни (боғ, ҳовли, қўрғон ва б.), ҳудудни ўраб олган ёки қисмларга ажратиб турадиган ғов, тўсиқ. *Чий девор. Пахса девор. Тахта девор.* ▬ *Эъзозхон ўзини девордан отиб, холасиникига қочиб қутулди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Боғчаларни бир-биридан айирган деворлар кўринмас, ишкомлар, мевазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Деворлар тагида адашиб бош кўтарган мунис майсалар эртага қор остида қолишидан бехабар яшнаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Бирор нарсанинг атрофини ўраб олган ёки уни бўлимларга ажратган қисми. *Ошқозон девори. Цилиндр девори.* ▬ *Ҳатто қорин деворининг чап томонига бармоқ билан босилса, оғриқ ўнг томонда сезилади.* Ҳ.А.Ҳакимов, Ўткир аппендицит.

Девор бўлиб қолмоқ Қўрқинч ёки ҳайратдан ранги оқариб, серрайиб турмоқ. *У [қиз] йигитга тикилиб турди-да, “ҳали шунақами?” деб юзига бир шапалоқ туширди. Йигит юзини ушлаганча девор бўлиб қолди.* У. Назаров, Биринчи учрашув. **Деворга гапиряпманми**? Гап уқмас ёки бировнинг гапига қулоқ солмайдиган, лоқайдлик билан қарайдиган кишиларга қарата айтилади. **Деворга танбур чертгандай** Бировнинг гапи, насиҳати эътиборсиз қолганда ишлатила-

диган ибора. -*Минг марта айтганман бу мегажинга, бир нимани тайинлик қилиб қўйгин деб. Қаёқда, деворга танбур чертгандай.* А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор. **Девори қиёмат** Ҳеч нарса эшитмайдиган, қулоғи тамоман битган; гаранг, кар. **Деворнинг қулоғи бор** Ҳушёр бўлиб гапирмоққа ундаш. *Бас қил дейман, кўп гапирма беҳуда, Деворнинг ҳам қулоғи бор, гўрсўхта!* Ҳ. Олимжон. **Ранги девор бўлмоқ** Ранги оқармоқ ёки кулранг тусга кирмоқ (чарчоқ, қўрқув ёки ғазабдан). *У ранги девор бўлиб, қўлларини ўрикка тираб, қаддини ростлади, гўё икки опа-сингилга қарашга уялгандай.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Тўрт девор ичида яшамоқ** Ташқи оламдан, жамоатчиликдан ажралган ёки мажбуран ажратилган ҳолда ичкарида қулларча ҳаёт кечирмоқ. *Тўрт девор ичида яшаб адо бўлаётган Шаҳзодахон бир куни.. юзини паранг дурра билан ярим тўсиб, эшик тирқишидан ташқарига мўралади.* К. Яшин, Ҳамза.

4 *кўчма* Гап эшитмайдиган, гап таъсир қилмайдиган; безбет. *Арзга қулоғингиз кар, тебранмас бир деворсиз.* «Гулдаста».

ДЕВОРБОП Девор қуриш учун яроқли; девор ясаш учун мос келадиган. *Республика қурилишларида деворбоп материалларга тобора кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.* Газетадан. *Бу завод қум, гилдан деворбоп блоклар.. тайёрлаб, қурилишларга жўнатиб турибди.* «Ўзбекистон иқтисодий географияси».

ДЕВОР-ДАРМИЁН [*ф.* دیوار-درمیان – ўртадаги девор] **1** Ҳовли-жойлари ўртадаги битта девор билангина ажралган, ёнма-ён турувчи. *Атрофидаги девор-дармиён қўшнилар ҳамдардлик билдириб кетишди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Амакимнинг ҳовлиси бизга девор-дармиён бўлгани сабабли, отам мени шу Темирвой устага дам босиш учун шогирд қилиб бердилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Чегарадош, ёнма-ён. *Бухоро вилояти Самарқанд вилояти билан девор-дармиён қўшни.* ▬ *Боғболо аҳлидан, девор-дармиён қўшни бўлатуриб, ёлғиз Майрам тоғчи келмади азага.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

ДЕВОРЗАН [*ф.* دیوارزن – девор урувчи, деворгар] Пахса девор урувчи уста.

ДЕВОРЗАНЛИК Девор уриш касби, деворкашлик. *Икки йилдирки, Муҳаммадшариф ёз ойларида уста Холбоқи кал билан деворзанлик, аниқроғи, пахсакашлик қилади.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ДЕВОРИЙ [*ф.* دیواری – деворга оид, деворга мосланган] **1** Деворга ёки девор учун ишланган, деворга мослаб танланган. *Деворий нақшлар.*

2 Деворга ўрнатиш ёки осиш учун мослаб ишланган. *Деворий соат даранглаб, ўн бирга занг урганда, Саидий ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Менинг илк ижодий машқим ана шу деворий газетадан бошланган.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ДЕВОРСИМОН Худди деворга ўхшатиб, девор каби, девордек. *Қор довон йўли ёқасига деворсимон уйиб ташланган.* Й. Шамшаров, Асарлар.

ДЕВОРСОАТ Деворга осиб қўйишга мўлжалланган соат. *Деворсоат унинг қолган умрини ўлчаётган сингари бир алпозда тақиллайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДЕВОРТАГИ Ёввойи гиёҳнинг бир тури.

ДЕВОРТЕШАР 1 Деворни тешишга, бузишга мўлжалланган. *Девортешар қуроллар. Девортешар тўп.*

2 Деворни тешишга одатланиб қолган; ўғри. *Жудо бўлгунча дил севган ёрдан Тунги девортешар бўлганим маъқул.* С. Акбарий, Кўнгил оҳанглари.

ДЕВОР-ТОШ Девор ва девор вазифасини ўтайдиган тўсиқлар, тошдан терилган девор. *Девор-тош ҳамин! Ошиб тушишнинг сира ўнқови йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳовлилар теграсида девор-тош йўқ, на эшик, на қулф кўринади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ДЕВПЕЧАК [*ф.* دیوپیچک – ўралиб, чирмашиб, узайиб ўсувчи ўсимлик] Ўсимликларга, дарахтларга чирмашиб ўсадиган бир ва кўп йиллик зарарли ёввойи ўт; чирмовиқ. *Бир қарич девпечак неча таноб резаворни нобуд қилади.* С. Аҳмад, Сайланма.

ДЕВСАР [*ф.* دیوسار – девга оид; девга ўхшаш] Девга ўхшаш; девмонанд; ҳайбатли. -*Девсар одамлар қандай одамлар? – деб отамдан сўрадим.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДЕВСИМОН Девга ўхшаган; улкан, ҳайбатли. *Эй, Деснадан девсимон кечган, Эй, Днепр тўлқинин ичган..* Ҳ. Олимжон.

ДЕВСИФАТ [дев + сифат] Кўриниши девга ўхшаган; жуда улкан, ҳайбатли. *Бўйи бошқаларникидан анча баланд; гардани йўғон, сал пучуқ, девсифат йигит ўтирган ерида*

бир чайқалиб қўйди. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Девсифат киши тайтанглаб, маст бўлган туядай, оғиз кўпиртириб келар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДЕВХОНА [дев + хона] Девлар яшайдиган уй, девлар уйи; улкан хона. *Биз яшайдиган ҳужра "девхона" деб аталар эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДЕВЧАРХ [дев + чарх] Хонаки пиллакашлик корхоналарида ишлатилувчи турли дастгоҳларни ҳаракатга келтирувчи улкан чарх.

ДЕВЮРАК Мард, баҳодир, жўмард; бағри кенг. *-Тўғри айтасиз, Қодирхўжа ака, уста ҳам девюрак, меҳридарё одам экан-у, билмай юрарканмиз-да, — деди Исмоилжон.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДЕВҚАДАМ 1 Катта-катта ташланган қадам; девларники сингари қадам. *Машина янги очилган ердан эгатга кириб кетди. Ҳожимуқон девқадам билан унинг орқасидан эргашди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 *кўчма* Меҳнатдаги улкан ютуқ(лар), ўзгаришлар. *Шу тўрт йил ичида қишлоқнинг маорифи девқадамлар билан илгарилайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ДЕВҚОМАТ 1 Дев сингари улкан гавдали; жуда салобатли. *Шу пайт диванда ўтирган бир девқомат кишига кўзим тушди.* «Шарқ юлдузи». *[Кампир] Девқомат чол ёнида худди атак-чечак қилиб бораётган кичкина қизчага ўхшарди.* Ў. Умарбеков, Ялпиз ҳиди.

2 *кўчма* Улуғвор, улкан, баланд бўйли. *[Қуёш] Кечга томон Салор ёқасида саф тортган девқомат тераклар орқасига ўтиб кетди.* Газетадан. *Умурзоқ ота саданинг девқомат бўйига узоқ тикилиб турди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Бу девқомат, қудратли механизмлар бўлажак.. ГЭС барпо этиладиган жойни кафтдек текисламоқда.* Газетадан.

ДЕГАЗАТОР 1 Заҳарланган нарсани зарарсизлантирувчи аппарат; дегазация аппарати.

2 Дегазация иши билан шуғулланувчи киши; дегазация мутахассиси.

3 Заҳарли моддаларни зарарсизлантирувчи модда (мас. хлорли оҳак ва б.).

ДЕГАЗАЦИЯ [де.. + газ] Заҳарланган жой, ҳудуд ва нарсалар (кийим-кечак, курол-аслаҳа ва ш.к.)ни заҳарли моддалардан тозалаш.

ДЕГАН 1 Демоқ фл. сфдш. *"Илм — игна билан қудуқ қазиш" деган қадимдан қолган мақол бор.*

2 Номли (исмли, фамилияли). *Қишлоғимизда.. Умринисо деган бир хотин бор эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Турсумбетов деган қирғизни полкда ҳамма билар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Номи билан юритиладиган, аталадиган. *Днепр деган дарё. Халқ ўқитувчиси деган улуғ ном.* ▬ *Мана, банка деган сўз чиқди. Кўрдик, фойдаси, манфаати жуда зўр; вексель деган сўз чиқди. Уни кўрдик, бениҳоят зарур нарса.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 ..деб аталадиган нарса, ҳодиса ёки шахс. *Аҳмад полвон дегани ким ўзи?* ▬ *Кетмон деганни бир қиёмда чопади-да!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бола-чақага совға-салом деган нарсалар ҳам бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Кўчирма гапни муаллиф гапи билан боғлаш учун хизмат қилади. *Қадимгилар: "Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар", — деган.* ▬ *[Қурбон ота] "Бир сиқим тупроғим бегона юртда қолиб кетмаса экан", деган ўйга борди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

6 Бирор кимса учун аталган, белгиланган. *..кампир ўзи келтирган сарполарни уйнинг юзига ёзди. Ичидан Сафаралига деган дўппи чиқди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

Айтгани айтган, дегани деган *қ.* **айтмоқ 1**. **..деган гап** (*ёки* **сўз**) ..билан баравар, бошқа нарса эмас. *Орқага қайтиш — ўлим деган гап.*

ДЕГЕНЕРАЦИЯ [*лот.* degenerare — бузилмоқ, айнимоқ] **1** Организмдаги биологик ва психик белгиларнинг касаллик ёки бошқа омиллар туфайли ёмонлашуви; насл айниши.

2 *биол.* Ҳужайраларнинг ёки жонли организмларнинг бузилиш жараёни. *Томир ушлаб кўрилганда, унинг девори қаттиқ эканлигини сезиш мумкин: бу каби томир деворида дегенерация ҳодисаси бор.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ДЕГРЕЗ [*ф.* دیگ — қозон + ریز < ریختن — «қуймоқ», «тўкмоқ» фл. ҳоз. з. шакли] Қозон, омоч тиши ва бошқа чўян асбоблар қуювчи (ясовчи) уста. *Дегрезларнинг кўмирини, чўянини ташийди, қолипини қуяди.* Ойдин, Бечора. *Дегрез отланади, кондуктор йўлда, Шофёр аллақачон тайёрдир рулда.* Т. Тўла, Асарлар.

ДЕГРЕЗЛИК 1 Чўян эритиш ва ундан буюмлар ясаш касби. *Менинг бобом дегрезлик билан шуғулланган.*

2 Дегрезлар яшайдиган ёки жойлашган маҳалла, жой. *Унинг отаси Обидхўжа вофурушни дегрезлик уста Турдиали деган бир маҳсидўз белча билан чавақлаб ўлдирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДЕГУНЧА *рвш.* Айтилиши билан, айтилган оннинг ўзида, ҳеч вақт ўтмай. *Ҳашпаш дегунча никоҳ ҳам бўлиб ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бола йиғлади дегунча югуриб чиқади-да, яна ошхонага кириб кетади.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ДЕГУСТАТОР *махс.* Тайёрланган вино, пиво, тамаки, чой ва ш. к. нинг таъми ва ҳидига қараб, сифатини аниқловчи мутахассис; чашначи. *Қўшнимнинг гапидан унинг вино заводида янги виноларнинг мазасини кўрувчи, даражасини аниқловчи — дегустатор вазифасида ишлашини билдим.* "Муштум".

ДЕГУСТАЦИЯ [*фр.* degustation < *лот.* degustare — еб кўрмоқ; мазасини тотмоқ] *махс.* Тайёрланган вино, пиво, тамаки, чой ва ш. к. нинг таъми ва ҳидига қараб, сифатини аниқлаш, баҳолаш. *Халқаро ярмаркалар, дегустациялар, танловлар ва кўргазмаларда Ўзбекистон винолари 92 та медаль билан тақдирланган.* Газетадан.

ДЕДУКТИВ Дедукцияга оид, дедукцияга асосланган; *зид.* **индуктив.** *Дедуктив хулоса. Дедуктив метод.*

ДЕДУКЦИЯ [*лот.* deductio — пайқаб олиш; хулоса чиқариш] *мнт.* Умумий ҳолатдан жузъий хулоса чиқарган ҳолда муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш; *зид.* **индукция.**

ДЕЖУР [*фр.* de jour — бугун, бугунги кунга оид] **1** *эск. айн.* **навбатчи.**

2 *эск.* Дам олиш кунларида ёки тунда ҳам ишлайдиган муассаса. *Дежур аптека.*

ДЕЖУРЛИК *эск.* Навбатчилик. *Ётоқхонага дежурлик қилиш, пол ювиш.. каби ишларни астойдил бажарарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДЕЗ- [*лот.* des.. — ..дан, ..дан ажратиш, холи қилиш] Бирор нарсани йўқ қилиш, узоқлаштиришни ёки унинг йўқлигини ифодаловчи олд қўшимча.

ДЕЗАКТИВАЦИЯ [дез.. + *лот.* activus — таъсирчан, фаол] Радиоактив моддалар билан заҳарланган объектлар (сув, озиқ-овқат кийим-кечак, тупроқ, бино ва б.)ни тозалаш, зарар қилмайдиган ҳолга келтириш.

ДЕЗЕРТИР [*фр.* deserteur < *лот.* desertor — қочоқ] **1** Хизмат қилаётган ҳарбий қисмини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган ёки ҳарбий хизмат чақирувидан бўйин товлаган шахс; қочоқ.

2 Ўзининг фуқаролик вазифасини, давлат ёки жамоатчилик олдидаги бурчини бажаришдан қочган шахс; қочоқ. *Тилингни тий, дезертир!* А. Мухтор, Туғилиш.

ДЕЗЕРТИРЛИК Ҳарбий хизмат бурчини ўташдан бош тортишлик; қочоқлик.

ДЕЗИНСЕКЦИЯ [дез.. + *лот.* insectum — ҳашарот] Зарарли ҳашаротларни махсус йўллар билан йўқотиш, қириш. *Ғалла омборини дезинсекция қилиш.* ▬ *Дезинсекция учун ДДТ (дихлордифенилтрихлорэтан) ишлатилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ДЕЗИНФЕКТОР Дезинфекция қилувчи ходим.

ДЕЗИНФЕКЦИЯ [дез.. + инфекция] Зарарсизлантириш, хавфсиз ҳолга келтириш: юқумли касалликларни тарқатувчи микробларни махсус йўллар билан йўқ қилиш, тугатиш. *Дезинфекция қилмоқ.* ▬ *Қандала тарқалган хоналарни 0,2 процентли трихлорофос эмульсияси.. билан дезинфекция қилинса, яхши натижа беради.* «Фан ва турмуш».

ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАМОҚ Дезинфекция қилмоқ, зарарсизлантирмоқ. *Мунаввар бемор хотинни касалхонага етказиб келишлари биланоқ.. у ёқ-бу ёғини спирт билан дезинфекциялади.* С. Анорбоев, Меҳр.

ДЕИЗМ [*фр.* deisme < *лот.* deus — худо] *флс.* Аллоҳни дунёни яратувчи сифатида тан олувчи, аммо унинг табиат тараққиётидаги ролини инкор этувчи диний-фалсафий таълимот. *Пантеизм ва деизм ўрта аср шароитида илғор фалсафий ғояларни олға суришнинг энг муҳим шакли эди.* «Гулистон».

ДЕЙИШМОҚ 1 Демоқ фл. биргл. н. *Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, дейишади.* Ойбек, Танланган асарлар. "*Унақа дилбар жувон энди қаёқда!" — дейишади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 *кам қўлл.* Бир-бири билан айтишмоқ, сан-манга бормоқ. *Мен кеча Умарали билан дейишиб қолдим.*

ДЕКАБРЬ [*лот.* december – ўнинчи; ўнинчи ой < *юн.* deka – ўн] Янги ҳисобдаги календарь йилининг ўн иккинчи ойи. *Декабрь ойи.*

ДЕКАДА [*фр.* decade – ўн кунлик < *юн.* dekas, dekados – ўнлик; ўнталик] **1** Ўн кун, ўн кунлик давр. *Январь ойининг биринчи декадаси.*

2 Бирор нарсага бағишланган ўн кунлик, ўн кун давомида ўтказиладиган тадбир. *Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси.* ▬ *Бизнинг юртимизда кўпгина халқларнинг адабиёт ва санъат декадалари ўтказилган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ДЕКАДЕНТ [*лот.* dekadentia – таназзул; тушкунлик] Декадентлик оқимига мансуб киши, декадентлик тарафдори. *Декадент шоир.* ▬ *Танқидий реализмнинг буюк намояндалари бўлган бу ёзувчилар.. декадентларга қарама-қарши ўлароқ, гуманизм ва демократизм ғояларини тараннум этганлар.* «ЎТА».

ДЕКАДЕНТЛИК 19-аср охири ва 20-аср бошларидаги Европа маданиятидаги инқирозий ҳолатни (таназзулга юз тутиш, умидсизлик кайфияти, ҳаётдан безиш ва ш. к.) умумий тарзда ифодаловчи ном.

ДЕКАН [*лот.* decanus – ўнбоши, ўнта жангчининг бошлиғи] Олий ўқув юртида факультетнинг раҳбари. *Тўрдаги стол ёнида декан Зуфар Ҳакимович Ҳакимов ўтирибди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *-Яхши эмас! – деканнинг кўзойнак орқасидаги жажжи кўзлари қисилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДЕКАНАТ 1 Олий ўқув юртларида декан раҳбарлигида факультетни бошқарувчи маъмурий-илмий бўлинма. *Яқин орада деканатдан рухсат олиб, қишлоққа бораман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Шундай маъмурий бўлинма ўрнашган хона; идора. *Эшикларнинг бирида "Деканат" деган ёзувни кўриб тўхтайди.* "Гулдаста". *Йигитали юраги чопиб-чопиб, деканат томон кета бошлади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ДЕКАНЛИК Декан вазифасини бажариш; декан мансабида бўлиш. *Менинг акам филология факультетида деканлик қилади. Ректор Эркин Алиевни деканликка тайинлади.*

ДЕКЛАМАЦИЯ [*лот.* declamatio – нотиқликни машқ қилиш] Бадиий асар ёки ундан олинган парчани чиройли, таъсирчан қилиб ёдаки ўқиш маҳорати ва шундай ўқишнинг ўзи. *У товушини гуруллатиб, нотиқона ҳаракатлар билан декламация қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

ДЕКЛАМАЦИЯЧИ Бадиий асар ёки ундан олинган парчаларни ифодали ва таъсирчан қилиб ўқиб берувчи, декламатор.

ДЕКЛАРАЦИЯ [*лот.* declaratio – маълум қилиш, билдириш, эълон қилиш] **1** Халқаро ҳуқуқда ва сиёсат соҳасида томонлар (бир неча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, халқаро ташкилотлар ва ш. к.) тарафидан маъқулланган дастурий ҳужжат, муҳим халқаро воқеа, қонун ва б. юзасидан умум эътиборига етказиладиган баёнот; асосий умумсиёсий тамойилларни тантанали эълон қилиш. *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси.* ▬ *Минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича декларация қабул қилдилар.* Газетадан.

2 Солиққа тортиладиган фуқаронинг муайян даврда олган даромадлари тури ва миқдори ҳақидаги маълумотномаси. *Аммо бу ҳақда солиқ идорасига ўз вақтида декларация тақдим этолмадим.* Газетадан.

3 Почта орқали хорижга юбориладиган пул ва қимматбаҳо буюмларга уларнинг қиймати ва хил-хусусиятини кўрсатган ҳолда қўшиб жўнатиладиган почта ҳужжати.

4 Чегара орқали олиб ўтилаётган нарсалар, қимматбаҳо буюмлар ва уларнинг миқдори ҳақида божхонага тақдим этиладиган маълумотнома.

ДЕКОРАТИВ [*лот.* decor, decororis – гўзаллик, нафосат] Зийнат учун хизмат қиладиган, кўркамлик, гўзаллик бахш этадиган. *Декоратив ўсимликлар.* ▬ *Бу ерда қатор монументал ва декоратив санъат намуналари бунёд этилди.* Газетадан. *Ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихида жаҳонга донг таратган ажойиб декоратив-безак санъатини яратди.* «Фан ва турмуш».

ДЕКОРАТОР Декорациялар ясовчи мутахассис, рассом.

ДЕКОРАЦИЯ [*фр.* decoration < *лот.* decorare – безамоқ, безатмоқ] Саҳнада тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ўрни ва шароитини акс эттирадиган расмлар, архитектура иншоотлари, безак ва ш. к. мажмуи. *"Тоҳир-Зуҳра" қўйиладиган кун эди, биринчи парда-*

нинг декорациясини қуриб қўйдик. С. Аҳмад, Сайланма. *Булар ҳақиқатга эмас, кўпроқ худди саҳналардаги декорацияларга ўхшаб кетади.* Э. Охунова, Икки океан оша.

ДЕКРЕТ [*лот.* decretum – қарор; тўхтам; ажрим] Олий ҳокимият органларининг, ҳукуматнинг қонун кучига эга бўлган муҳим қарори, фармони. *Мазкур декрет қишлоқ-овулларда жуда тез, яшин тезлигида тарқалди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу ерда президент Носирнинг декрети эълон қилинди.* Газетадан.

Декрет таътили Ҳомиладорлик таътили. *Махсус комиссия Н. Шодиеванинг шикоятини текширганда, у ҳақ бўлиб чиқди ва декрет таътилига ҳақ тўланадиган бўлди.* Газетадан.

ДЕКЧА [*ф.* دیگچه – қозонча] **1** Кичкина қозон, қозонча. *Юкимиз енгил: бир шолча, икки кўрпа-кўрпача, декча.* С. Нуров, Карвон. *У озроқ ўтин териб, ҳамроҳлари ёнига келганда, декчада шўрва биқирлаб қайнаётган эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Декча қайнатмоқ Эплаб-сеплаб, бир амаллаб қозон қайнатмоқ, кун ўтказмоқ. *Давлатлари соясида декчамиз қайнаб турипти.* С. Айний, Дохунда. *Шу мақсадда йиғилишиб, декча қайнатиш ғамида бош оғритишарди.* Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Декчада пиширилган таом. *Хўжайиннинг қозонидан унда-мунда бир томмасак.. йўқ, мойсиз бўлса ҳам, ўз декчамиз яхши.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЕЛВАГАЙ *шв.* Енгил ва юпқа қилиб тикилган халат; енгил уст кийим. *Унинг сочлари жингила-жингила, юз ва кўзлари дўндуқ, устида яшил бахмалдан бурма қилиб тикилган чиройли делвагай кийими бор эди.* А. Қодирий, Жинлар базми.

ДЕЛЕГАТ [*лот.* delegatus – юборилган, йўлланган] Бирор ташкилот, жамоа томонидан ваколатли қилиб сайлаб ёки тайинлаб юборилган вакил. *Делегат сайламоқ.* ▬ *Бу ассамблеяда 39 мамлакатдан 200 дан ортиқ делегат қатнашди.* «ЎТА». *Газеталарда жуда кўп сурати чиққан, хотин-қизлар қурултойига ҳам делегат бўлган эди.* «Муштум».

ДЕЛЕГАТЛИК Делегат вазифасини ўташ; делегат бўлиш; муайян ваколатга эгалик. *Делегатлик гувоҳномаси. Делегатликка сайланмоқ.*

ДЕЛЕГАЦИЯ [*лот.* delegatio – юбориш, тайинлаш] Бирор ташкилот ёки давлат томонидан белгиланган, юборилган вакиллар гуруҳи. *Савдо делегацияси. Чет эл делегацияси.* ▬ *Худди ҳозиргидақа, қиш кунларидан бирида Болгариядан қурувчилар делегацияси келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДЕЛИМИТАЦИЯ [де.. + *лот.* limitare – чегараламоқ, ажратмоқ] Давлат чегараларини тузилган шартномага мувофиқ тавсифлаш ва хариталаштириш асосида белгилаш; белгиланган чегараларни қайта кўриб чиқиш. *..Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитацияси билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.* Газетадан.

ДЕЛО [*р.* делать – «қилмоқ», «бажармоқ» сўзидан] Бирор масала ёки шахсга оид расмий ва норасмий ҳужжатлар тўплами ва шундай ҳужжатларни сақлаш учун ясалган махсус папка; ҳужжатлар йиғмажилди; иш. *Шербекнинг делосида Назаров билан қизи тўғрисида ҳам гап бор эди.* С. Анорбоев. Оқсой. *Бўлмаса, сенинг ўзингни справка сифатида Мадумаровнинг делосига тириклайин ёпиштириб қўяман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Дело очмоқ 1) бирор масала ёки соҳага оид ҳужжатларни тўплаб сақлаш учун алоҳида папка тутмоқ; 2) суд ва тергов органларида бирор судли иш юзасидан ҳужжатлар йиға бошламоқ. *Воқеа содир бўлган куни Самарқанд шаҳар Сиёб районида.. жиноий иш-дело очилди ва жиноятни фош этувчи манбалар шу папкага келиб тушаверади.* Газетадан.

ДЕЛЬТА I [*юн.* delta] **1** Юнон алифбосидаги тўртинчи ҳарфнинг номи.

ДЕЛЬТА II [*юн.* delta] *геогр.* Дарёнинг учбурчаксимон тармоқланиб, кўлга ёки денгизга қуйиладиган жойида ҳосил бўлган текислик (термин Нил дарёсининг денгизга қуйилиш жойи дельта ҳарфи шакли (Δ) га ўхшашлигидан келиб чиққан). *Амударёнинг қадимги ва ҳозирги дельтаси айниқса паст ерлардир.* Н. Долимов, Ўзбекистон географияси.

ДЕЛЬФИН [*юн.* delphis, delphinos] *зоол.* Китсимонлар туркумига мансуб, денгиз ва океанларда яшайдиган сутэмизувчи ҳайвонларнинг бир тури. *Баҳор кезлари дельфинлар жуфтлашиш палласига киради.* «Фан ва турмуш». *Дельфинлар, чағалайлар ўйини бизни зериктирмай борарди.* Э. Охунова, Икки океан оша.

ДЕЛЬФИНАРИЙ Дельфинларни ўрганиш, ўргатиш ва намойиш қилиш мақсадида қурилган бассейнли иншоотлар мажмуи. *Ботумидаги дельфинарийда мен дельфиннинг чўчқанинг хуриллашини эслатадиган товушини эшитдим.* «Фан ва турмуш».

ДЕЛЬФИНСИМОНЛАР Сутэмизувчилар синфининг тишли китлар кенжа туркумига мансуб оиласи.

ДЕМАГОГ [*юн.* demagogos – халқ доҳийси] У ёки бу мақсадга эришиш учун демагогиядан фойдаланувчи шахс.

ДЕМАГОГИЯ [*юн.* demagogia < demos – халқ + ago – бошлайман, олиб бораман] Қуруқ ваъдалар бериш, лақиллатиш, хушомадлар қилиш йўли билан оммани ўзига мойил қилиш, улар ўртасида обрў қозонишга интилиш.

ДЕМАГОГЛИК Қуруқ сафсата сотиб, қуруқ, ёлғон гаплар айтиб, кишиларни лақиллатиш. *Демагоглик қилманг! Мен коллективимизнинг ўзига хос хусусиятини айтаяпман сизга.* А. Мухтор, Туғилиш.

ДЕМАК 1 Демоқ, айтмоқ, гапирмоқ. *Оз емак – тан соғлиқ, Оз демак – ҳикматга боғлиқ.* Мақол. ▬ *Сеники маъқул демакка бизнинг тилимиз келмас, бу сўзинг ноўрин десак, ўлдирмай қўймас.* «Ёдгор».

2 *крш с.* Яъни, бундан чиқдики, бинобарин. *Демак, уни сиз ёзган экансиз-да?* К. Яшин, Ҳамза. *Демак, ёлғончилик касалига мубтало бўлган кишини ростгўй одамнинг қони билан даволаса бўлади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

3 *кесим взф.* Билан баробар, ..га тенг. *Фаровон ҳаёт – бу гўзал турмуш, осуда, серфайз ҳаёт демакдир.* Газетадан. *Умр – бу асаб тасмаларининг – нервларнинг яшаши демакдир.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Йўлчи учун Мирзакаримбойдан силжиш – Гулнордан айрилиш демак эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЕМАККИ *айн.* **демак 2.**

ДЕМАРКАЦИЯ [*фр.* demarcation – ажратиш] Қўшни давлатлар ўртасида тузилган шартномага, битимга асосан мамлакатлар орасидаги чегарани аниқлаш, белгилаш.

Демаркация чизиғи *ҳарб., сиёс.* 1) вақтинча сулҳ пайтида урушувчи томонларнинг қўшинларини бир-биридан ажратиб турган муваққат чегара; 2) урушда енгилган мамлакат ҳудудини ишғол қилинган зоналарга бўлувчи чизиқ, доира.

ДЕМАРШ [*фр.* demarche – чиқиш, ҳаракат, хуруж] Бир ҳукумат ёки унинг органларининг бошқа ҳукумат (ёки ҳукуматлар)га илтимос, норозилик, огоҳлантириш ёки бошқа хил баёнотлар билан мурожаат қилиши.

ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ [де.. + *лот.* militaris – ҳарбий] Бирор давлат ёки ҳудудда армия сақлашни, қурол-яроғ ишлаб чиқаришни, истеҳкомлар, ҳарбий базалар қуришни ман этиш; қуролсизлантириш. *Демилитаризация қилмоқ.*

ДЕМИСЕЗОН [*фр.* demisaisons – йилнинг ўтиш даври]: **демисезон пальто** Баҳорда ёки кузда кийиладиган енгил пальто. *Лола янги демисезон пальто, кумушранг қоракўл телпак кийиб, бўйнига гўзал шарф ўраб чиққанди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ДЕМОБИЛИЗАЦИЯ [де.. + *фр.* mobilisation < *лот.* mobilis – ҳаракатчан] **1** Уруш тамом бўлгандан ёки хизмат муддатини ўтаб бўлгандан кейин ҳарбий хизматдан бўшатиш ёки захирага ўтказиш. *Аскарларни демобилизация қилиш.* ▬ *Ҳозир июнми, июлда, йўқ, августда демобилизация ҳақида буйруқ чиқса керак.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Қуролли кучларни, шунингдек, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ҳарбий ҳолатдан тинч ҳолатга кўчириш. *Қуролли кучларни демобилизация қилиш.* ▬ *Уруш тамом бўлганидан кейин дарҳол мамлакатда қуролли кучлар кенг равишда демобилизация қилинди.* Газетадан.

ДЕМОГРАФИК Аҳолининг ўсиш (кўпайиш) суръати билан боғлиқ бўлган. *Демографик сиёсат. Демографик вазият.* ▬ *Бозор муносабатлари ҳақида гап кетар экан, Ўзбекистондаги демографик вазиятни албатта ҳисобга олиш лозим.* Газетадан. *Айрим мамлакатларда эса демографик сиёсат умуман ишлаб чиқилмаган.* «Фан ва турмуш».

ДЕМОГРАФИЯ [*юн.* demos – халқ + grapho – ёзаман] Аҳолишунослик; бирор ҳудуд, мамлакат, бирдан ортиқ мамлакатлар ёки дунё аҳолиси ўзгаришларини (сони, географик тақсимланиши, таркиби, ўлиш, туғилиш жараёнларини) ўрганувчи фан тармоғи.

ДЕМОКРАТ 1 Демократия тарафдори, демократия учун, халқнинг сиёсий озодлиги

ва ҳуқуқи учун курашувчи; халқпарвар. *Муқимий, Фурқат ва Аваз Ўтарлар ўзбек халқининг демократ шоирлари эдилар.* Газетадан.

2 Демократик партиянинг аъзоси.

ДЕМОКРАТИЗМ Демократия ва унинг тамойилларини эътироф этиш ва уни амалга ошириш. *Демократизм тарафдорри. Демократизм тамойиллари. Демократизмнинг тантанаси.* ▬ *Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш демократизмни таъминлайди.* Газетадан.

ДЕМОКРАТИК 1 Демократия тамойилларига асосланган, демократияни амалга оширувчи. *Демократик давлат. Демократик жамият. Демократик ҳаракат. Демократик тузум. Демократик ислоҳот.* ▬ *Мақсадимиз аниқ — бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, эркин, очиқ демократик давлат қуриш.* Газетадан. *Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор.* Газетадан.

2 Демократия тамойилларини ҳимоя қилувчи. *Демократик ёзувчилар.* ▬ *Демократик ёзувчилар прогрессив студентлар ва хайрихоҳ ўқимишли шахслар билан секин-секин яқинлашади.* Ойбек, Нур қидириб.

ДЕМОКРАТИЯ [*юн.* demokratia < demos — халқ + kratos — ҳокимият] **1** Фуқаролар эркинлиги ва тенглиги конституция ва қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятининг шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум; халқ ҳокимияти. *Демократия — бошқарувнинг барча босқичларидаги эркинликдир.* Газетадан. *Ошкоралик ва демократия — бу объективлик ва поклик демакдир.* «ЎТА».

2 Жамоа барча аъзоларининг фаол иштирокида раҳбарлик қилиш усули. *Партиянинг ички демократияси.*

ДЕМОКРАТЛАШМОҚ Демократия йўлига тушмоқ, демократия асосларига таянмоқ, демократик тамойиллар асосида барпо бўлмоқ. *Давлат бошқарувини демократлаштирмоқ. Қонуннинг демократлашуви.*

ДЕМОНТАЖ [де.. + *фр.* montage — кўтариш, ясаш, жойлаштириш] Бирор нарса, объект ёки асбоб-ускунани тайёр, яхлит ҳолатдан қисмларга, бўлакларга ажратиш, бузиш (таъмирлаш ёки бошқа мақсадларда). *Насослар, дизеллар, ҳамма қимматли механизмлар демонтаж қилинсин!* П. Қодиров, Эрк.

ДЕМОҚ 1 Ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда ифода қилмоқ, айтмоқ; сўзламоқ, гапирмоқ. *Мен сенга нима деган эдим. Бу ҳақда китобларда нима дейилган? Ўғлингиз сизга салом деди. Бедарднинг олдида дардим бор демагин.* Мақол. *Ош келса, егин, Гап келса, дегин.* Мақол. *Тўқлик нелар дедирмас, Очлик нелар едирмас.* Мақол. ▬ *Шундай дейишингизни билувдим.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Энг оқил мавжудот инсон деймиз-у, баъзан одамнинг арзимаган нарсага ақли етмай қолади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 Бирор товуш, ун чиқармоқ. *Мушук миёв деди.* ▬ *"Имм" деган овоз эшитилди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Қаердадир қизилиштон қариллади, попушак "пу-пу-пуп-пишш" деб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ғинг демоқ *қ.* **ғинг. Лом-мим демай** *қ.* **лом-мим.**

3 Аталмоқ, номланмоқ; отга, номга эга бўлмоқ; атамоқ. *Марҳамат деган олти қиз бор экан.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аваз Сайфий деган таниш муллаваччани топди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кейин Ҳикматулла деган новча йигит сўз олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бари бир, тақдир деган нарса, пайти келиб, ўзини кўрсатиб қўяркан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Биз томонларда майна деган қуш бўлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Ҳисобламоқ, санамоқ; билмоқ, ўйламоқ. *Одами эрсанг, демагил одами, Они ким йўқ халқ ғамидан ғами.* Навоий, Хамса. *[Фазлиддин:] Саккиз юз сўмни сиз билан биз пул демаймиз. Чиндан ҳам пул эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ахир ким ҳам онасини, волидасини севмайди дейсиз!* Газетадан.

5 ..деб ўйламоқ, фараз, мулоҳаза қилмоқ. *Шундай ҳам деяйлик. Боринг, эртага самолёт учмайди деяйлик. Хайр, шундай ҳам денг.* ▬ *Шовқин солманг, биров эшитса, нима дейди!* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ҳа, энди биттаяримта ўртоғиникида қогандир-да, дедик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Нима дейсиз? 1) қандай маслаҳат берасиз?, қандай фикр билдирасиз?, қандай (нима) деб ўйлайсиз? *Балки ғами, ҳасрати озаяр, нима дейсиз?* Ойбек, Танланган асарлар; 2) нима ҳам қилар эдингиз, қўлингиздан нима ҳам келар эди. *Шариат ўзи йўл*

топиб беради. Йўлни хотинингизнинг ўзи топиб келиб, сизни опчиқиб кетса, нима дейсиз? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Истамоқ, хоҳламоқ. *Нима десанг, албатта муҳайё қиламан. Душман нима демайди, тушга нималар кирмайди.* Мақол. ▬ *Уй ажратамиз дедингиз-у, мен йўқ дедимми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Дастурхонга нознеъмат тўлсин дейман.* "Гулдаста". *..халқ учун ишлаганларга жонимни берсам дейман.* У. Исмоилов, Сайланма.

7 Танламоқ, бирор кимсага ёки нарсага тарафдор бўлмоқ, мойиллик билдирмоқ. *Ё мени де, ё уни де.* ▬ *Мен сенинг тенгинг эмасман, Ононим бор, сени демасман.* Ҳ. Олимжон. *Ўзингиз йўлинг очиқ, кета бер, мен ота-онамни дейман, деган эдингиз-ку.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 (*шарт майли шаклида)* Бирор иш-ҳаракатни бажаришга уринмоқ. *Гиламни кўтарай десам, жуда оғир экан.* ▬ *Илгарилари уриб енгар эдим, энди урай десам, қочиб, томга чиқиб кетади.* А. Қаҳҳор, Айб кимда? *Кўзини очай деса, қовоқлари оғирлашиб кетгандай туюлди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

9 Ҳисобга олинмоқ, истисно қилинмоқ. *Отларнинг пишқиргани, ҳашаротларнинг чириллаши билан сой сувининг майин шилдираши демаса, атроф жимжит эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Сал чимирилган қошлари демаса, Авазнинг рафторидан бир нима англаб олиш қийин эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

10 Равишдош шаклида қўшма гапларни боғлаш учун хизмат қилади. *Энди Аваз халқни курашга чорловчи шеърлар битар деб, умид қиламиз.* С. Сиёев, Ёруғлик.

11 Буйруқ ва шарт майли шаклларида кириш сўз вазифасида келади. *Онам бечора, денг, мулла, ўзи жуда кам борар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бечора капсанчилар, дейман, ер ўзларига қарашли бўлганда, шу ариқни ўша вақтда чиқаришса ҳам бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Яна, десангиз, иккита, сутлик оқ эчкилари бор.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Бир (*ёки* **ҳеч) нима демай** Индамай, қаршилик кўрсатмай, сўзсиз. *Бунисига ҳам бир нима демайман, ҳар кимнинг гўри бошқа, менга нима.* А. Қаҳҳор, Қизлар. **..деганда** ..бўлганда, бўлгач, ўтгач. *Соат ўн икки деганда етиб келасан.* ▬ *Бир ой деганда, ниҳоят, менбоп бир штат топилиб қолди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **..дегандай** 1) ..дейилгандек, дейилгани каби. *Ўз уйим, ўлан тўшагим дегандай, сиз ҳам қайтиб келибсиз-да;* 2) деган каби, ишора қилиб. *У хўп дегандай, бош ирғитди.* ▬ *"Нима ишинг бор эди?" дегандек, унга тикилди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Дегани деган** Ўз фикри, мулоҳазасини қабул қилдирадиган, айтганини бўлдирадиган. *У кишининг дегани деган, ҳеч ким бас келолмайди.* А. Мухтор, Туғилиш. **..дегунча** ..биланоқ; ҳамоно. *Келди дегунча, менга хабар бер.* **..демай** *ёки* **..демасдан** Суриштирмай, ҳисоблашмай. *Боши-кўзи демай ураверди. Ёз демасдан, қиш демасдан ишламоқ.* ▬ *Қистаб кетиб боради, Кеча демайди, кундуз.* «Равшан». **Кўп деганда** Кўпи билан, ортиғи билан, кўп бўлса. *Бу ишга кўп деганда ўн кун керак.* **Кўрдим демайди** 1) унча-мунчага тўймайди, қонмайди. *Бир-икки коса овқатни кўрдим демайди;* 2) назар-писанд қилмайди. *Унча-мунча оғир меҳнатни кўрдим демайдиган шу йигит ҳам толиқар.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Менга деса** Мен учун бари бир, нима бўлса, бўлар. *Майли, менга деса, бу йил меҳнат кунимиз бир миридан тушсин!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Нимага (***ёки* **нега) десангиз** *с.т.* Сабаб шуки. *-Қойил,— дедим лабимни чапиллатиб, нега десангиз, шу пайт қовун егим келиб қолса бўладими?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Нимага десангиз, ҳар бир мусулмонга маълумки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қабри шарифлари бор у ерда.* Ойбек, Танланган асарлар. **Шундай денг** 1) баракалла, ана энди ўзингизга келдингиз; 2) ҳали гап шундайми! **Ҳаш-паш дегунча** *қ.* **ҳаш-паш.**

ДЕМПИНГ [*ингл.* dumping — арзон экспорт] *иқт.* Чет эл бозорини эгаллаш ва ундан рақобатчиларни сиқиб чиқариш мақсадида молни хорижда ўз мамлакатидаги ёки жаҳон миқёсидаги нархидан анча арзонга сотиш — рақобатли кураш воситаларидан бири.

ДЕНАТУРАТ [*лот.* denaturatus — табиий хоссалардан маҳрум бўлган] Махсус заҳарли ёки бадхўр модда аралаштириб, инсон ичиши учун яроқсиз ҳолатга келтирилган ва фақат техникавий мақсадларда ишлатиладиган спирт. *Рангли ипак ва жун кийимдаги дазмол сарғайтирган доғ денатурат спирти билан кетказилади.* «Саодат».

ДЕНАТУРАЛИЗАЦИЯ [*фр.* denaturalization – фуқароликдан маҳрум бўлиш] Фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум бўлиш; фуқароликдан чиқариш.

ДЕНГИЗ 1 Океаннинг қуруқликка туташган ёки қуруқликка ёриб кирган бўлаги, океаннинг қуруқлик ёки орол ва яриморолларр билан ажралган қисми. *Орол денгизи. Болтиқ денгизи. Қизил денгиз. Денгиз ҳавоси. Денгиз флоти. Аҳмоқда ор бўлмас, денгизда – гузар.* Мақол. ▬ *Ороллар ва яриморолларр океанни айрим қисмларга бўлиб юборган, бу қисмлар денгизлар деб аталади.* «Дунё қитъалари географияси». *Денгиз сувидек тиниқ кўзлари мулойим ва меҳр билан боқарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Кенг майдонни эгаллаган ва денгизга қиёс қилинган сунъий сув ҳавзаси. *Тошкент денгизи.* ▬ *Чорвоқ денгизи худди узукка қўйилган мовий кўзга ўхшаб, яшнаб кўринади.* Газетадан.

3 *кўчма* Жуда катта уюм, тўда, оқим; бирор нарса билан қопланган кенг майдон. *Пахта денгизи. Қон денгизи.* ▬ *Кимларнинг орқасида қамчи излари. Ҳали ҳам тўлқинланар қон денгизлари.* Ғайратий. *Кўм-кўк пахта денгизида қизғин иш борар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Перронда чайқалар одам денгизи. Кўзларда илтижо, меҳр ва ёлқин.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

Зангори (*ёки* **кўк) денгиз** Кенг осмон, само, фалак ҳақида. *Зангори денгизнинг тиниқ қўйнидан Кўм-кўк ой юзланиб, кулиб боқади.* Уйғун. *Кўк денгизнинг бир четида янги туғилган ой очилиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *кўчма* Оғуш, қучоқ; қуршов; асирлик. *Пўлат ота шундай ички хаёллар денгизида сузиб, бойваччанинг кўнглини эритадиган гап тополмай, каловланиб турар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Хатни ёзган чоғингизда тамом бир ўт ичида, ғазаб денгизида сузганлигингиз гавдаланиб, кўз ўнгимдан ўтди[лар].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кўчма* Миқдоран ва ҳажман туганмас, чексиз нарса ҳақида. *Билганинг дарё бўлса, Билмаганинг – денгиз.* Мақол. ▬ *Павел Иванович илм бобида бамисоли бир денгиз.* С. Кароматов, Олтин қум.

ДЕНГИЗЧИ 1 Денгиз флотида хизмат қилувчи киши. *Жиянингиз денгизчимиди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Юк ташувчи ишчилар, Денгизчилар йиғилди. Барча кўзлар бегуноҳ Балиқчига тикилди.* З. Диёр.

2 *айн.* **матрос.**

ДЕНДРАРИЙ [*юн.* dendron – дарахт] Илмий, ўқув ёки маданий-маърифий мақсадларда барпо этилган, фақат дарахт ва буталар экилган очиқ майдон; ботаника боғининг таркибий қисми. *Ишчилар шаҳарчасидан дендрарийга кетаётган енгил машиналар ва автобусларнинг кети узилмайди.* Газетадан. *Бу дендрарий юқорида номи айтилган бирлашма ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғи ҳамкорлигида барпо этилган.* «Фан ва турмуш».

ДЕНДРИТ [*юн.* dendron – дарахт] *анат.* **1** Нерв ҳужайрасининг дарахтсимон тармоқланган ўсимталари – бошқа нерв ҳужайраларидан нерв турткиларини қабул қилиб олади.

2 *мин.* Бирор бир минералнинг тўлиқ ривожланган, дарахтсимон тармоқланган кристаллари.

3 *кўчма* Қорнинг дарахт ёки бутасимон шакллари. *Қор учқунларининг мураккаблашиб, сертармоқ бўлиб кетган дендрит шакллари чиройли манзара касб этади.* «Фан ва турмуш».

ДЕНДРОЛОГИЯ [*юн.* dendron – дарахт + logos – билим, тушунча] Ботаниканинг дарахт ва буталарнинг турларини ўрганадиган бўлими, соҳаси.

ДЕНДРОПАРК [*юн.* dendron – дарахт + *ингл.* park – атрофи ўралган боғ; қўриқхона] **1** Турли ўсимлик ва дарахтлар коллекцияси экилган катта боғ. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника боғининг дендропаркидаги дарахт, бута ва лианалар 2500 турни ташкил этади.* «Фан ва турмуш».

2 Ана шундай дарахт ва ўсимликлар қучоғидаги дам олиш жойи. *Тошкент дендропаркида дам олдик.* ▬ *Нисбатан иссиқ иқлимли ва серҳосил бўлган бу ерлар дендропарк учун айни муддао.* Газетадан.

ДЕНОМИНАЦИЯ [*лот.* denomination – қайта номлаш] Ҳисоб-китобни ихчамлаштириш мақсадида қоғоз пулларнинг қийматини пасайтириш; пул бирлигини қайта номламасдан йириклаштириш; эски пулни маълум нисбатда янги пулга алмаштириш.

ДЕНОНСАЦИЯ [*фр.* denoncer – эълон, маълум қилмоқ] Бирор давлатнинг ўзаро халқаро шартномани бекор қилиш, шарт-

номадан чиқиш ҳақида бошқа давлатни хабардор қилиши.

ДЕПАРА *шв.* Атроф, теварак. *Аммо депарада аҳолиси кўп қишлоқ бизники.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Чамбилнинг депарасида Туркман деган бир юрт бор эди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз. *Бир вақтлар шу депарада ҳамма нарса чаппасига айланарди.* «Гулистон».

ДЕПАРТАМЕНТ [*фр.* departement – бошқарма, идора] **1** Францияда ва бошқа айрим мамлакатларда энг йирик маъмурий-ҳудудий бирлик.

2 Баъзи мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда, маҳкама, идора ва вазирликлар ёки улар таркибидаги бўлинмаларнинг номи. *Давлат департаменти (АҚШ Ташқи ишлар вазирлиги). Савдо департаменти.* ▬ *Давлат департаментининг баёнотига кўра, журналистнинг ўлдирилгани ҳақида маълумотлар келиб тушган.* Газетадан. *Иккинчи қаватдаги йўлакда департамент нозири қабул қилишини кутиб, анча вақт ўтирадилар.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

3 Баъзи халқаро ташкилотларнинг бўлинма ва шохобчалари. *Маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотнинг [ЮНЕСКО] Табииёт фанлари департаменти учрашув учун Тошкентни танлади.* «Фан ва турмуш».

ДЕПЕША [*фр.* depeche – шошилинч хабар] Расмий шошилинч хабар, шошилинч (дипломатик ёки ҳарбий) маълумот. *Бисмарк уруш чиқаришни кўзлаб, ўз қиролининг француз элчиси билан суҳбат қилганлиги ҳақидаги депешани.. матбуотда эълон қилди.* “Янги тарих”.

ДЕПИЛЯЦИЯ [*лот.* depilare – сочни, тукни йўқотмоқ, тўкмоқ] Бошдаги ярачақани даволаш ёки косметика мақсадида сочни тўкиш.

ДЕПМА *шв.* Далага сув чиқариш усулларидан бири. *Хоразмдаги сув чиқаришнинг энг оддий усуллари “сепма”, “депма” ва “нова” деб аталади.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ДЕПО [*фр.* depot – омбор] **1** Транспорт воситалари (паровоз, трамвай, троллейбус вагонлари) турадиган ва жорий таъмирланадиган махсус бино, корхона. *Депонинг ишлаб чиқариш илғорлари Самарқанд-Бухоро туристик поездида мароқли сафар қилдилар.* Газетадан. *Тошкентда йирик вагонремонт заводи, янги трамвай ва троллейбус деполари ишга туширилди.* Газетадан.

2 Ўт ўчириш машиналари турадиган бино.

ДЕПОЗИТ [*лот.* depositum – сақлашга қўйилган буюм; омонат] *мл.* Кредит муассасалари (банк, омонат касса ва ҳ.к.)га сақлаш ва фойдаланиш учун вақтинча қўйилган пул ёки қимматбаҳо қоғозлар. *Банкнинг жалб этилган депозитлари ҳажми ҳам кўпайди.* Газетадан.

ДЕПОЗИТАРИЙ [*фр.* depositaire] **1** Депозитларга эгалик қилувчи жисмоний ёки юридик шахс. *Хўш, икки босқичли депозитарий тизимини яратишдан мақсад нима*? Газетадан. *Ўзбекистонда биринчи депозитарий.. 1994 йил 8 июнда ташкил қилинган.* «ЎзМЭ».

2 Халқаро шартноманинг асл нусхасини, унинг тасдиқлангани ҳақидаги ҳужжатларни сақловчи давлат ёки халқаро ташкилот.

ДЕПОЗИТОР Банк, омонат касса ва ш. к. га пули ёки қимматбаҳо қоғозларини қўйган шахс ёки ташкилот.

ДЕПОНЕНТ [*лот.* deponens, deponentis – жойлаштирувчи, сақлашга қўювчи] **1** Сақлаш учун давлат муассасасига қимматбаҳо буюм ёки маблағ қўйган шахс ёки ташкилот.

2 Бирор сабабга кўра корхона ёки муассасадан ўзига тегишли бўлган пулни ёки тўловни ўз вақтида олмаган жисмоний ёки юридик шахс ва олинмаган ана шундай маблағ.

ДЕПОРТАЦИЯ [*лот.* deportatio – бадарға қилиш, ҳайдаш; сургун] Ижтимоий, сиёсий жиҳатдан хавфли киши ёки кишиларни доимий яшаш жойидан кўчириб, ҳайдаб юбориш; бадарға, сургун қилиш (жиноий ёки маъмурий жазо чораларидан бири). *..халқларни депортация қилиш ва мажбурий кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган.* Газетадан.

ДЕПРЕССИЯ I [*лот.* depressio – эзилиш, босилиш] **1** *тиб.* Тушкунликка берилган руҳий ҳолат; оғир руҳий ҳолат.

2 *иқт.* Хўжалик тизимида, ижтимоий фаолият соҳасида юз берадиган турғунлик, ҳаракатсизлик, ўсишдан тўхташ ҳолати.

ДЕПРЕССИЯ II [*лот.* depressio – пасайиш, чуқурлашиш] *геол., геогр.* Қуруқликнинг денгиз сатҳидан паст қисми.

ДЕПСАМОҚ *айн.* **депсимоқ.** *Ҳар бир тоза ниятли кишининг муқаддас бурчи — йиқилганни устига чиқиб депсаш эмас, балки қўлтиғидан олиб турғизиш, яъни хатосини дўстларча тузатишга ёрдам беришдир.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Халқ тарқалганда, Жуман писмиқнинг эзилган мурдаси депсалган қорга қоришиб ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДЕПСИМОҚ 1 Севинган, дўқ урган, қўрққан, инжиқлик ёки бетоқатлик қилган ҳолда ер тепмоқ, ер тепиб турмоқ. *Ер депсиб йиғламоқ.* ▬ *Жонон бировларнинг олдига бориб ер депсир, баъзиларга кўзини сузиб, қошини қоқарди.* Газетадан. *Тагидаги от сувлиқ чайнаб депсийди.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Катта йўл ёқасида депсина-депсина, бирпас ўткинчи машина кутишди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 Босиб-янчиб ташламоқ, оёғости қилмоқ, пайҳон қилмоқ, топтамоқ. *Мурдаларни эзиб, депсиб Бу қутурган оломон..* О. Ҳакимов, Достонлар. *Қайсиям колхоз яйловга катта пода ҳайдаб ўтаётганида, чанқоқ пода булоққа ёпирилиб, уни депсиб ташлабди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 От ёки эшакни оёқ билан ниқтаб тезлатмоқ. *Ҳасан овчи тез бориб, эшакни ечдию, унга минди-да, икки оёқлаб депсиб, бу ажал қалъасидан тезроқ кетишга шошилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

4 Тепмоқ, урмоқ (юраги, қон томири ҳақида). *Ҳаяжондан юраги депсиб ура бошлади.* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи. *Нурмат отанинг гапларидан кейин юрагим яна ҳам депсиб кетди.* М. Раҳмонов, Инженернинг қайтиши.

ДЕПСИНМОҚ 1 Депсимоқ 1, 3, 4 фл. ўзл. н. *У ақлдан озгандек депсинар, ерни муштлар эди.* «Ёшлик». *Уюрни безовта ва саросимали депсинаётган айғирлар ўраб туришарди.* «Ёшлик». *Шу орада, нима бўлдию, она кийик бир депсиниб, чопиб кетди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *От бошини қайириб, турган жойида депсиниб қўйди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Сесканмоқ, чўчиб тушмоқ. *Юрак депсиниб тушар даҳшатли ҳар хабардан.* Ғ. Ғулом. *Муқаддам депсиниб, уйғониб кетди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

3 *кўчма* Қимирламоқ, силкинмоқ. *Газлида ер депсинганда, посёлкада ниҳояти 13 мингга яқин аҳоли яшарди.* Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари.

4 *кўчма* Тебраниб, қалтираб қўзғалмоқ, юрмоқ. *Машиналар депсиниб, ҳансираб бормоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Қудратли машина депсиниб қўзғалди ва ерни шудгорлашни давом эттирди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Қудратли тепловоз қамчи еган отдек депсинди.* Газетадан.

Депсиниб турмоқ (*ёки* **қолмоқ)** Олдинга жилмай, бир хил ҳолат, даражада тура бермоқ. *Бир жойда депсиниб туриш — қолоқликка юз тутиш демакдир.* М. Назаров, Жилвон жилвалари. *Хатда шундай дейилган: "Афсуски, қурилиш ишлари депсиниб қолди".* «Ўзбекистон қўриқлари».

ДЕПУТАТ [*лот.* deputatus — вакил қилинган, юборилган] **1** Ваколатли давлат органига сайланган киши, вакил. *Олий Мажлис депутати. Халқ депутати. Депутат сайламоқ.* ▬ *-Ўғлим, бу депутат дегани нимаси? -Депутатми, халқ хизматкори. -Йўқ, — деди хола бошини чайқаб, — депутат бу — нажоткор.* «Гулдаста».

2 Жамоа (гуруҳ), ташкилот томонидан бирор топшириқни бажариш учун вакил қилинган шахс. *Қурултой депутати.*

ДЕПУТАТЛИК 1 Депутатга оид, депутатга хос; депутат бўлишлик. *Депутатлик ўрни. Депутатлик ваколати.* ▬ *Депутатлик фаолияти кўп қиррали ва мураккаб ишдир.* «Саодат». *Ҳар бир сайлов округида икки-уч номзод депутатлик учун курашди.* Газетадан.

2 Депутат ҳуқуқига, имтиёзига эга бўлишлик. *Депутатлик ҳуқуқи.* ▬ *Халқ ўзига хизмат қилган кишилар номзодини депутатликка кўрсатади.* Газетадан.

ДЕРАЗА Бинонинг ташқаридан хонага ёруғлик тушиши, ҳаво киришига ва ташқарини кузатишга имкон берувчи, очилиб-ёпиладиган ойнали роми; ром. *Чарос дарпардани суриб, деразани очди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Очиқ деразадан хонага ёз шамоли урди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Аҳмад бригадир бўйнини чўзиб, деразадан машинаси турган майдонга назар солди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Алимардон дераза олдида тик турганча, биринчи қорнинг ёғишини томоша қиларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДЕРАЗАСИМОН Дераза шаклидаги, деразага ўхшаш. *Дўконлар икки қаватли*

бўлиб.. ёруғлик тушиб туриши учун гумбаз саҳнида деразасимон панжарали туйнуклар қўйилган. Мирмуҳсин, Меъмор.

ДЕРАЗАТОКЧА Уй деразасининг ичкари, баъзан ташқари ост томонига ёғоч ёки бошқа материалдан ясалган токча; дераза рафи.

ДЕРАЗАҚОПҚОҚ Деразани ташқаридан ёпиб, қоплаб турадиган, ёруғлик, иссиқлик кучини камайтирадиган эшиксимон мослама. *Унинг хаёлини деразақопқоқнинг тақиллаши бузди.* Т. Малик, Ажаб дунё.

ДЕРАТИЗАЦИЯ [*фр.* deratisation – каламушларни йўқ қилиш (rat – каламуш)] Юқумли касалликларнинг манбаи ва тарқатувчиси ҳисобланган, халқ хўжалигига иқтисодий зарар келтирадиган кемирувчиларни қириш, йўқ қилиш.

ДЕРИВАЦИОН Деривация I, II с. сфт. *Деривацион канал. Ўзбек тилининг деривацион қонуниятлари.*

ДЕРИВАЦИЯ I [*лот.* derivatio – шохобча] **1** Сувни дарё ўзанидан бошқа ёққа (қазилган ариққа, каналга) солиб юбориш. *Деривация ишлари. Деривация иншоотлари.* ▬ *..Сидқий деривация канали қурувчиларига раҳбарлик қиларди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

2 *ҳарб.* Отиш қуролларидан отилган ўқ, снаряд ва б. нинг ўз йўналишидан ён томонга оғиши.

ДЕРИВАЦИЯ II [*лот.* derivatio – ясалиш] *тлш.* Тил бирликлари (сўз, сўз бирикмалари ва б.) нинг ясалиши, ҳосил бўлиши. *Уларнинг функционал хусусиятини фақат деривация жараёни билан изоҳлаш мумкин.* «ЎТА».

ДЕРМАТИН [*юн.* derma; dermatos – тери, чарм] Ип газламанинг бир ёки ҳар иккала томонига эластик модда қоплаб тайёрланган, мебелсозлик, муқовасозлик саноатларида фойдаланиладиган сунъий тери. *Қамариддин дерматин қопланган эшикни тиқ-тиқ урди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Ўртада думалоқ стол, икки ёнида ялтироқ дерматин қопланган суянчиқли стул.* С. Нуров, Нарвон.

ДЕРМАТИТ [*юн.* derma; dermatos – тери] *тиб.* Терининг яллиғланиши, шамоллаши билан боғлиқ касалликларнинг умумий номи. *Қўлингизни асло хлорли оҳак эритмаси билан артманг.. аллергик дерматит пайдо бўлиши мумкин.* Газетадан.

ДЕРМАТОЛОГ Тери касалликлари мутахассиси, врачи. *Хуллас, турли касалликларда соч тўкилишининг олдини олиш учун дерматолог ёки косметологларга мурожаат қилиш лозим.* «Фан ва турмуш».

ДЕРМАТОЛОГИЯ [*юн.* derma; dermatos – тери + logos – билим, тушунча] Тиббиётнинг терининг аҳамияти ва тузилишини, тери касалликларини ўрганувчи ва уларни даволовчи соҳаси.

ДЕСАНТ [*фр.* descente – тушиш; тушириш] Душман ҳудудида жанг олиб бориш учун тузилган ва шу ҳудудга самолёт, вертолёт, кемалардан туширилган қўшин. *Ҳаво десанти. Танк десанти.* ▬ *Улар қураётган кўприкка немис десант ташлаганини ҳикоя қилиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Сўнгги икки йил десант қисмларида бўлдим.* О. Ёқубов, Излайман.

ДЕСАНТЧИ 1 Десант қўшинларда хизмат қилувчи аскар, жангчи. *Бизнинг бўлинмамиз денгиз десантчилари группасига қўшилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 *кўчма* Бирор ғаразли мақсадда фавқулодда жўнатилган шахс(лар). *Ўзбекистонда Марказ «десантчилари»нинг буюк давлатчилик руҳидаги бебошликларига чек қўйилди.* «Фан ва турмуш».

ДЕСАТ(ИНА) *с.т. эск. айн.* **десятина.** *Бутун олинадиган ерлар: Фарғона вилоятида қирқ десатинадан ортиқ.. эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Менинг бўталоғимда ҳам икки десатча шундай кучсиз ерлар бор.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ДЕСЕРТ [*фр.* dessert – сўнгги овқат; овқатнинг қолгани] Иссиқ овқатдан кейин ейиладиган ёки ичиладиган ширин таом (торт, конфет, ичимликлар, ҳўл мевалар ва ш.к.) *Десерт вино.* ▬ *Нок ўзбек овқатларида, асосан, тармева, десерт сифатида ишлатилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Қовунни, асосан, янги узиб келиб, десерт овқат сифатида истеъмол қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ДЕСИКАЦИЯ [*фр.* desiccare – қуритиш, сувни йўқотиш] Ҳосил етилишини тезлаштириш, уни машинада йиғиб-териб олишни енгиллаштириш мақсадида экинларни ўсиб турган жойида махсус дорилар (десикантлар) билан қуритиш.

ДЕСПОТИЗМ [*юн.* despoteia – чекланмаган ҳокимият] **1** Ҳуқуқи чекланмаган,

мустабид подшо бошлиқ бўлган давлат идора усули; истибдод, мустабидлик.

2 Золимлик, зўравонлик қилиш, хўрлаш. *Достоннинг ота-она деспотизмига қарши ёзилган жойлари чин юрагидан чиққан бўлиб, фиғоннинг ўткирлиги билан ажралиб туради.* «ЎТА».

ДЕСЯТИНА [*р.* десять – ўн] Метрик система қабул этилгунга қадар Россияда қўлланган, 2400 кв. саржинга ёки 1,09 гектарга тенг ер майдони ўлчови. *Унинг Бойсун беклиги қишлоқларида 500 десятинадан ортиқ серунум ери бўлган.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

ДЕСЯТНИК [*р.* десять – ўн] Қурилишда бир гуруҳ ишчиларнинг бошлиғи, ишбоши; ўнбоши. *У [Зайнаб] икки йилдан бери Яккачинордаги сув омбори қурилишида десятник бўлиб ишларди.* С. Аҳмад, Тоғларда.

ДЕТАЛЬ [*фр.* detail – тафсилот; мукаммаллик] **1** Машина, механизм, асбоб ва шунингдек, умуман бирор буюмнинг қисми, бўлаги. *Машина детали. Деталь ишлаш.* ▬ *“Жигули” автомобили кузовига деталлар 12 мингта пайванд нуқталари билан бириктирилган.* «Фан ва турмуш». *Ҳар қандай радиоприёмник ёки телевизорнинг ичида албатта алюминийдан ясалган деталлар бор.* «Фан ва турмуш».

2 Бирор иш, ҳодиса, сюжет ва ш. к. нинг кичик узвий қисми, тафсилоти. *Шу тарзда ҳамма деталлар тайёр бўлгач, характерлар етилгандагина ёзишга ўтирар эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Умуман, майда деталлар ўқувчида ёзувчига ишонч уйғотади.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Ҳикоя муаллифи ҳатто ҳаётдаги оддий деталларни ҳам тўғри кўрсата билмаган.* «ЎТА».

ДЕТАЛЛАШТИРМОҚ Бирор нарсани батафсил, ипидан игнасигача мукаммал ишлаб чиқмоқ, баён қилмоқ ёки аниқламоқ.

ДЕТЕКТИВ [*ингл.* detective < *лот.* detectio – очиш, фош қилиш; аниқлаш] **1** *от* Жиноий ишларни қидириш, очиш бўйича мутахассис; полициянинг яширин айғоқчиси; жосус; изқувар.

2 *сфт.* Жосуслар, яширин айғоқчилар, изқуварлар ҳаёти, саргузаштлари, мураккаб жиноятларнинг очилиши ҳақида ҳикоя қилувчи (бадиий асар ёки фильм). *Саргузашт детектив асарларга ҳамиша қизиқиш катта бўлган.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Кейинги йилларда ўзбек адабиётида илмий-фантастик, детектив ва саргузашт адабиётига қизиқиш кучайди.* «ЎТА».

ДЕТЕКТОР [*лот.* detector – очувчи, топиб олувчи] *радио.* Радиотехеникада: қабул қилинган юқори частотали тебранишларни (қулоққа эшитиладиган) паст частотали тебранишларга айлантириб берувчи қурилма. *Халил ҳузур қилиб керишдида, катталиги ғиштдай келадиган япалоқ детекторни қўлтиғига қистириб, ертўладан чиқди.* Газетадан.

ДЕТЕКТОРЛАШ *физ.* Модуляцияланган юқори частотали тебранишлардан товуш частотасига эга бўлган паст частотали тебранишларни ажратиб олиш жараёни.

ДЕТЕКТОРЛИ Детектори бор, детектори бўлган. *Чойхонада дутор, чанг, детекторли радиоприёмник, шахмат, девор соати пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДЕТЕРМИНИЗМ [*лот.* determinare – аниқламоқ; чегараламоқ; қисмларга ажратмоқ] *флс.* Табиат ва жамиятдаги ҳамма ҳодисаларнинг умумий объектив қонуний алоқадорлиги ва сабабий боғланиши ҳақидаги таълимот.

ДЕТЕРМИНИСТ Детерминизм тарафдори.

ДЕТОНАТОР [*лот.* detonare – портламоқ] *махс.* **1** Ўзи портлаб, бошқа портловчи моддани ҳам портлатувчи модда.

2 Портловчи моддалар асосий зарядини ўт олдириш (ёндириш) учун ишлатиладиган портлаткич, капсюль, пистон.

ДЕТОНАЦИЯ [*лот.* detonare – портламоқ] **1** *махс.* Портловчи модданинг бирор ташқи сабаб билан жуда тез портлаши ёки бошқа портловчи моддани портлатиши.

2 *тех.* Ички ёнув двигатели цилиндрида ёнилғининг жуда тез ва чала ёниши туфайли юз берадиган ҳодиса.

ДЕТРИТ [*лот.* detritus – ишқаланиб ейилган, эзилган, сийқа] **1** *тиб.* Ўлик тўқималарнинг парчаланиш маҳсули; чечакка қарши профилактик мақсадларда қўлланадиган (эмланадиган) дори.

2 Сув ҳавзаси тубига чўкадиган, сув ёки тупроқ таркибида бўладиган, таркиби ҳайвон, ўсимлик ва замбуруғларнинг чириган қолдиқларидан иборат органик заррачалар.

ДЕ-ФАКТО [*лот.* de facto – амалда, ҳақиқатда] *ҳуқ.* Янги давлат ёки ҳукуматнинг

қисман (юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган ҳолда) эътироф этилиши.

ДЕФЕКТ [*лот.* defectus – камайиш; нуқсон] *айн.* **нуқсон, камчилик.**

ДЕФЕКТОЛОГ Дефектология соҳасида ишловчи шахс, дефектология мутахассиси.

ДЕФЕКТОЛОГИЯ [*лот.* defectus – нуқсон + logos – таълимот] Педагогиканинг жисмоний ва руҳий нуқсонли болаларнинг ривожланиш хусусиятларини, уларга махсус таълим-тарбия бериш ва улардаги нуқсонларни йўқота бориш қонуниятларини ўрганувчи бўлими. *Республика Таълим марказининг дефектология бўлими мутахассислари ўтган йиллар ичида оилалардаги ногирон болаларни рўйхатга олиш.. ишини туғаллашди.* Газетадан.

ДЕФЕКТОСКОП Дефектоскопия чоғида ишлатиладиган асбоб, аппарат.

ДЕФЕКТОСКОПИЯ [*лот.* defectus – нуқсон + *юн.* skopeo – қарайман] Материал ва буюмларнинг кўзга кўринмайдиган нуқсонлари бор-йўқлигини аниқлаш учун қўлланадиган текшириш усуллари мажмуи.

ДЕФИНИЦИЯ [*лот.* definito – таъриф; аниқ кўрсатиш] Бирор тушунчанинг нарса ва ҳодисаларга хос энг муҳим белгиларни акс эттирувчи қисқача илмий изоҳи; таъриф.

ДЕФИС [*лот.* divisio – бўлиш, ажратиш] Сўзнинг сатр охирига сиғмай қолган бўғинини иккинчи йўлга кўчирганда ишлатиладиган, шунингдек, жуфт ва такрорий сўзлар қисмлари орасига қўйиладиган қисқа чизиқча (-).

ДЕФИЦИТ [*лот.* deficit – етишмайди] **1** *мл.* Даромадга қараганда харажатларнинг ошиб кетиши; танқислик. *Бюджет дефицити.* ▬ *..ресурсларни тежаш сиёсатини ўтказмасак, ҳеч қачон дефицит балосидан қутула олмаймиз.* Газетадан.

2 Етишмаслик, камчиллик, тақчиллик. *Товар дефицити. Ёқилғи дефицити.*

3 Етарли миқдорда бўлмаган, кам учрайдиган; камчил, тақчил; камёб. *Дефицит мол.* ▬ *Кошки мен дефицит – камчил молни билмасам.* Ф. Мусажонов, Пушаймон. *..бу нарса ўзи дефицит.. лекин сиз учун биттасини амаллаб топамиз.* «Ёшлик». *Э, унақаси "жуҳуди" атласдай дефицит бўлиб кетган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДЕФЛЯЦИЯ [*лот.* deflare – пуфлаш, шишириш] **1** *мл.* Пулнинг қадрини, сотиб олиш қобилиятини ошириш мақсадида инфляция даврида чиқарилган ортиқча пул массасининг бир қисмини муомаладан чиқариш.

2 *геол.* Шамол учириб келган минерал заррачалар таъсирида тоғ жинсларининг емирилиши, силлиқланиши.

ДЕФОЛИАНТЛАР *қ.х., ким.* Дефолиация пайтида, даврида ишлатиладиган кимёвий моддалар (кальций цианамид, магний хлорат ва б.). *Дефолиантларнинг ҳаммаси ҳам токсик модда ҳисобланиб, мутлақо зарарсизи йўқ.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Улар кам заҳарли дефолиантларнинг янги турларини яратдилар.* Газетадан.

ДЕФОЛИАЦИЯ [*лот.* defoliatio < de.. + *лот.* folium – барг] *қ.х., ким.* Пахтани машинада териш олдидан теримни осонлаштириш учун ғўза баргларига дефолиантлар сепиб, уларни қовжиратиб, қуритиб тўкиш тадбири. *Дефолиация нималигини ҳар бир пахтакор яхши билади.* «Фан ва турмуш». *Дефолиация пахтани тез очилтириш, машина теримини оммавий равишда кучайтиришнинг асосий омилидир.* Газетадан.

ДЕФОРМАЦИЯ [*лот.* deformatio – шаклни ўзгартириш, хунуклаштириш] Ташқи кучлар, температуранинг ўзгариши ва б. таъсири остида жисмнинг массаси ўзгармаган ҳолда шаклининг ёки ҳажмининг ўзгариши, бузилиши.

ДЕЦИГРАММ [*лот.* decem – ўн + грамм] Граммнинг ўндан бир қисми, улуши (0,1 г.).

ДЕЦИЛИТР [*лот.* decem – ўн + литр] Литрнинг ўндан бир (0,1 л.) қисмига тенг суюқлик ўлчов бирлиги.

ДЕЦИМЕТР [*лот.* decem – ўн + *юн.* metron – ўлчов] Метрнинг ўндан бирига тенг узунлик ўлчов бирлиги. *Йил давомида пойабзалчилар 789,7 квадрат дециметр тери материалларини иқтисод қилиб қолишга эришдилар.* Газетадан.

ДЕШИФРОВКА [*фр.* dechiffrer – маъносини ечмоқ, очмоқ] **1** Шартли белги (шифр)лар билан ёзилган нарсани таҳлил қилиб ечиш, маъносини билишга, ўқишга эришиш.

2 Номаълум ёки унча маълум бўлмаган ёзувларни, мас., Миср иероглифларини, миххатларни ўқиш ва изоҳлаш.

ДЕ-ЮРЕ [*лот.* de jure – қонуний, расмий] *ҳуқ.* Ҳукуматнинг расмий, ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ эътироф этилиши.

ДЕЯЙЛИК *кам қўлл. айн.* **айтайлик.**

ДЕЯРЛИ *рвш.* **1** Бирор нарса, ҳолат, миқдорга жуда яқин, шунга яқин деса, .. деб айтса, ҳисобласа бўладиган. *У шунча йил қоракўлчилик соҳасида ишлаб, бунақа териларни деярли кўрмаган эди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бўри полвон ўйлаб қараса, воҳанинг деярли барча полвонлари жам бўлибди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Зиёфат деярли мажлисга айланиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳаммамиз деярли ҳар кун бир қошиқ иссиққа муҳтожмиз.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

2 Қарийб; тахминан; яқин. *Ҳовлидаги нарсалар деярли ўзгармабди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мен эса, орамизда пайдо бўлган муҳаббатнинг охир-оқибат тугашини деярли билардим.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ДЕЯРЛИК *айн.* **деярли.**

ДЕҲҚОН [*ф.* دهقان – катта ер эгаси, заминдор; қишлоқ ҳокими] Асосий касби ерга ишлов бериш, экин экишдан иборат бўлган киши. *Деҳқон бўлсанг, шудгор қил, мулло бўлсанг, такрор қил.* Мақол. ▬ *Қуёш нурларини ширин-шакар меваларга айлантирган бу ўзбек деҳқони.* Шукрулло, Сайланма. *Мен сизга экинларимни кўрсатай. Деҳқон кўзи билан қараб, мени яхшилаб танқид қилинг.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Колхозчи деҳқон *тар.* 1) коллективлаштириш даврида ўз хусусий ери, от-улови ва қишлоқ хўжалик асбоблари билан бирга колхозга аъзо бўлиб кирган деҳқон; 2) колхоз аъзоси. **Якка деҳқон** *тар.* Колхозга кирмай, ўз ҳолича, ўзи якка ҳолда деҳқончилик қилган киши. *Якка деҳқон хўжалиги.* **Ўрта (***ёки* **ўрта ҳол) деҳқон** *тар.* Ўз ерларида ўзи ва оила аъзолари кучи билан деҳқончилик қилган киши. *-Ўттиз саккиз кишининг кўпи от-уловли ўрта деҳқон бўлса керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сўнгги уч ярим йил ичида якка хўжаликлардан эллик битта ариза тушди. Буларнинг кўписи ўрта ҳол деҳқонлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДЕҲҚОНБОП Деҳқонларга, деҳқончилик қилишга қулай, мос. *Деҳқонбоп этик.* ▬ *Бу йил август ойининг деҳқонбоп бўлиб, саҳий келиши кутилади.* Газетадан.

ДЕҲҚОНЛИК Деҳқон касбининг номи; деҳқон бўлишлик.

ДЕҲҚОНПАРВАР [деҳқон + *ф.* پرور – парваришловчи, ғамхўрлик қилувчи] Деҳқонларни ҳурмат қилувчи, деҳқон учун қайғурувчи; деҳқонлар манфаати учун курашувчи. *Султонқорини ёвонимизга чақириш керак: деҳқонпарвар, фуқаропарвар киши экан.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ДЕҲҚОНСИФАТ [деҳқон + сифат] Кўриниши, хатти-ҳаракати деҳқонларникига ўхшаш; деҳқонларга ўхшаб кетадиган. *Қорачадан келган, деҳқонсифат бу йигит Мунисхондан ўнғайсизланади.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Биринчи ёрдамчи эса, бунинг тамоман акси: деҳқонсифат.. ёши ҳам бирор элликни қоралаган, гаплари кескин ва бежоғсиз.* М.М.Дўст, Лолазор.

ДЕҲҚОНЧАСИГА *рвш.* Деҳқонларга хос бир йўсинда, деҳқонлар сингари, деҳқонлардек. *Йўлчи.. пешанасидан мўл-мўл оққан терни енг учи билан деҳқончасига артиб, ерга қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хоналарни деҳқончасига безайман.* «Муштум».

ДЕҲҚОНЧИЛИК 1 Қишлоқ хўжалигининг ерга экин экиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси, зироатчилик. *Қадимданоқ Амударё, Зарафшон, Сирдарё каби оби ҳаёт соҳилларида, гўзал Фарғона, Тошкент, Бухоро ва Хоразмнинг ибтидоий табиати бағрида деҳқончилик кенг тармоқ отган эди.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

2 Экин-тикин билан шуғулланиш касби, машғулоти. *Деҳқончилик қилмоқ. Деҳқончилик – чилик-чилик, Бўлмаса, қуруқчилик.* Мақол. ▬ *Ёз фаслида деҳқончилик қилади, саҳар кетиб, кеч келади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Экинзор, экин даласи. *Анови пастликда деҳқончилигимиз бор. Бемалол, ҳамма нарса ўзимиздан чиқади.* Ойдин, Келин ўғил туғибди.

ДЕҲҚОНЧУМЧУҚ Чумчуқсимонлар туркумига мансуб сайроқи чумчуқ тури.

ДЖАЗ *қ.* **жаз.** *Ўзи очиқ, лекин ипак дарпардалари ёпиқ деразалардан джаз-оркестр садолари учиб чиқади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *..пушти ранг чироқ ёниб турган каттакон бинодан қаҳқаҳа товуши, джаз садоси янгради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДЗОТ [*р:* «дерево-земляная огневая точка» (ёғоч-тупроқли ўт очиш нуқтаси) бирикмасининг қисқартирмаси] *ҳарб. эск.* Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш йилларида турли хил ўт очиш воситаларини жойлаштириш ва душман ўқ, снарядларидан сақланиш учун ёғоч, тупроқ, тош ва б. материаллардан қурилган мудофаа иншооти. *..ўт, сув, ўлим тўсиқларидан ўтиб, душман дзотларини парчаладик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Тўсатдан дзот титраб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ДЗЮДО [*японча* дзю – юмшоқ, до – йўл] Спортнинг японча миллий яккама-якка кураш тури; ўз-ўзини ҳимоя қилиш тизими. *Спортнинг дзюдо тури аёллар ўртасида ҳам оммалашиб бормоқда.* Газетадан.

ДЗЮДОЧИ Дзюдо билан шуғулланувчи шахс. *Республикамиз дзюдочилари ҳам совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди.* Газетадан.

ДИ- [*юн.* di – икки] Икки, иккилик, жуфтликни ифодаловчи олд қўшимча.

ДИА- [*юн.* dia – орасида, аро; орқали] Тўғридан-тўғри ҳаракатни, кириб боришни, бўлинишни, ўзаро яқинликни ифодаловчи олд қўшимча.

ДИАБЕТ [*юн.* diabetes < diabaino – ўтаман, ўтиб кетаман] *тиб.* Касалликларнинг кўп сийдирадиган турларининг умумий номи.

Қандли диабет Сийдикда қанд моддаси ажралиши ва қонда қанд миқдорининг кўпайишидан иборат касаллик. *Қандли диабетда ошқозон ости безидан етарли миқдорда инсулин ишлаб чиқара олмайди.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Исмалоқ қандли диабетда ҳам фойда қилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ДИАГНОЗ [*юн.* diagnosis – аниқлаш, билиш] Беморни ҳар томонлама текшириб, унинг касаллигини аниқлаш; ташхис. *Диагноз қўймоқ (белгиламоқ). Врачнинг биринчи вазифаси – диагнозни аниқ қўйиш.* ▬ *Аниқ қўйилган диагноз ҳаёт учун эллик фоиз кафолатдир.* Газетадан.

ДИАГНОСТИКА [*юн.* diagnostikos – аниқлашга қодир] Тиббиётнинг касаллик белгиларини аниқлаш, диагноз қўйиш усуллари ва тамойилларини ўрганадиган бўлими.

2 Диагноз қўйиш, белгилаш. *Қадимги юнон тилида "диагностика"нинг маъноси "билиш жараёни" демакдир.* «Фан ва турмуш». *Фаттоҳ Ўлмасбоев, диагностика хонасидан чиқиб, қорнини чангаллаганича, ўз палатасига кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ДИАГОНАЛЬ [*юн.* diagonios – бурчакдан бурчакка борувчи] **1** *геом.* Кўпбурчакнинг қўшни бўлмаган икки бурчагини ёки кўпёқликнинг икки учини бирлаштирувчи тўғри чизиқ.

2 Қия йўлли қилиб тўқилган қалин ип ёки жун газлама.

ДИАГРАММА [*юн.* diagramma – чизма, расм, шакл] Чизиқли кесмалар шаклида ифодаланувчи турли миқдорлар ўртасидаги муносабатни тасвирловчи чизма, график тасвир. *Пахта ҳосилининг йилма-йил ўсиш диаграммаси.* ▬ *Нусратбек бекорчиликдан кутиш зали деворларидаги диаграмма, лавҳаларга такрор-такрор тикилди.* С. Нуров, Нарвон. *Диссертациядаги тажрибалар диаграммаси ва диаграммада келтирилган рақамлар эса қандайдир ноаниқ, мавҳум.* О. Ёқубов, Диёнат.

ДИАКРИТИК [*юн.* diakritikos – фарқловчи]: **диакритик белгилар** *тлш.* Алифбодаги шаклдош ҳарфлардан бирининг ости ёки устига ёхуд ўртасига, ёнига қўйиладиган, унинг қандай ўқилишини кўрсатадиган махсус белгилар.

ДИАЛЕКТ [*юн.* dialektos – лаҳжа, шева] Умумхалқ тилининг адабий тилдан маълум лисоний хусусиятлари билан фарқ қилувчи маҳаллий ёки ижтимоий кўриниши; лаҳжа. *Алишер Навоий асарлари лексикасида турли диалектларга оид кўплаб сўзларнинг ишлатилиши ҳам унинг тўпловчилик фаолиятидан нишонадир.* «ЎТА».

ДИАЛЕКТАЛ Диалект – лаҳжага, шевага оид. *Диалектал сўз.* ▬ *Ўзбек тили диалектал жиҳатдан ранг-баранг ва бойдир.* «ЎТА». *Адабий тил диалектал хусусиятларни нивелировка қилади, эски системаларни эса бузади.* «ЎТА».

ДИАЛЕКТИЗМ **1** Бирор лаҳжага (шевага) хос бўлган лисоний унсурлар (сўз, қўшимча ва ш. к.). *Бадиий асарларда.. ўзбек шева ва диалектларига оид бўлган сўзлар – диалектизмлар учраб туради.*

2 Умумий адабий тилга лаҳжалардан кирган сўз ва бошқа хил лисоний бирликлар.

ДИАЛЕКТИК Диалектикага асосланган. *Диалектик фалсафа. Диалектик тафаккур.*

Диалектик материализм. ▬ *Зотан, чинакам бадиий асарда ғоявийлик, типиклик, эмоционаллик ва ижтимоий амалиёт билан алоқадорлик диалектик яхлитликни ташкил қилади.* «ЎТА».

ДИАЛЕКТИКА [*юн.* dialektike – суҳбатлашиш, бахс қилиш санъати] **1** *флс.* Табиат, кишилик жамияти ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан.

2 *флс.* Табиат ва жамиятнинг абадий ҳаракатланиб ва ўзгариб турувчи ички зиддиятлари, қарама-қаршиликларини очиш ҳамда бу зиддият ва қарама-қаршиликлар ўртасидаги доимий алоқадорлик ва кураш моҳиятини аниқлашдан иборат фалсафий метод. *Материалистик диалектика.*

3 Бирор нарсанинг ҳаракати, ривожланиши, тараққиёт жараёни. *Тарих диалектикаси.* ▬ *Энди билсам, диалектика фақат китобда эмас, модда бор жойнинг ҳаммасида бор экан.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Мана, сиз билан биз ҳам диалектика қонуниятларига бўйсуниб, катта ҳаёт йўлини босиб ўтдик.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ДИАЛЕКТОЛОГ Тилнинг лаҳжа ва шеваларини ўрганувчи мутахассис; шевашунос. *Ўзбек диалектологлари кейинги йиллари анчагина ишларни амалга оширишди.* «ЎТА».

ДИАЛЕКТОЛОГИЯ [*юн.* dialektos – шева + logos – билим, тушунча] Тилшуносликнинг халқ лаҳжа ва шеваларини ўрганувчи соҳаси; шевашунослик. *Ўзбек тилшунослигининг жуда ёш соҳаси – ўзбек диалектологияси.. бу соҳанинг юқори босқичи бўлган лингвогеография босқичига ўтди.* «ЎТА».

ДИАЛОГ [*юн.* dialogos < di – икки + logos – сўз; нутқ; тушунча] **1** Икки киши ўртасидаги оғзаки мулоқот, суҳбат.

2 Адабий асарда икки ёки бир неча персонаж ўртасидаги гаплашув, суҳбат. *Драмада драматик ҳаракат ва ҳаракатларнинг очилишида диалоглар.. муҳим роль ўйнайди.* «ЎТА».

3 Икки ёки бир неча киши ўртасидаги узлуксиз суҳбат, гаплашув шаклида ёзилган адабий асар.

ДИАЛОГИК Диалог асосига қурилган; диалогга оид. *Диалогик репликаларга қараганда монологда гаплар кўпроқ мустақилликка эгадир.* «ЎТА». *Оғзаки нутқнинг диалогик характери.* «ЎТА».

ДИАМЕТР [*юн.* diametros – кўндаланг ўлчам] **1** *геом.* Айлана ёки шарнинг марказидан ўтиб, унинг икки нуқтасини бирлаштирувчи тўғри чизиқ. *Марказдан ўтувчи ватар диаметр деб аталади.* «Геометрия».

2 Умуман юмалоқ нарсанинг ва тўгарак юзанинг кўндаланг кесувчиси. *Қуёшнинг диаметри 1300 минг километрга яқин.* «Фан ва турмуш». *Яшин урган жойнинг диаметри 5 метргача боради.* «Фан ва турмуш».

ДИАПАЗОН [*юн.* dia pason (chordon) – барча (торлар) орқали] **1** *мус.* Бирор чолғу асбоби ёки ашулачи овозининг энг паст ва энг юқори чегараси орасидаги товушлар мажмуи.

2 *кўчма* Кўлам, доира, кенглик; нуқтаи назар. *Билим диапазони.* ▬ *Улар халқ достонларига ижодий ёндашиб, унинг тематик диапазонини кенгайтирдилар.* «ЎТА». *Режиссёр актёрларни танлашда фақат уларнинг овоз тембрларига эътибор бериб қолмай, психологик диапазонини ҳам ҳисобга олган.* Газетадан.

ДИАПОЗИТИВ [диа.. + *лот.* positivus – мусбат] Проекцион фонарь ёрдамида кўрсатиш учун шаффоф пластинка ёки шишага, плёнкага туширилган рангли ёки оқ-қора фотосурат. *Париж университетининг профессори.. бизга бир даста диапозитивлар кўрсатди.* Газетадан.

ДИАСПОРА [*юн.* diaspora – тарқалиш; ёйилиш] Зўрлаб, мажбурлаб кўчириш, геноцид хавфи ва б. ижтимоий-тарихий, диний сабабларга кўра ўз ватанидан бошқа мамлакатда яшовчи этник гуруҳ. *Яҳудий диаспораси.*

ДИАТЕЗ [*юн.* diathesis – мойиллик] *тиб.* Моддалар алмашинуви жараёнидаги туғма нуқсон туфайли организмнинг у ёки бу касалликка мойил бўлиб қолиши.

ДИАФИЛЬМ [диа.. + *ингл.* film – парда] Умумий мавзу асосида бирлашган ва кинолентада муайян кетма-кетликда жойлаштирилган оқ-қора ёки рангли фототасвирлар. *..ота-оналар ва колхозчиларнинг ёрдами билан мактабга диафильм аппаратлари ва ленталари сотиб олинди.* С. Зуннунова, Олов.

ДИАФРАГМА [*юн.* diaphragma – тўсиқ] **1** *анат.* Сутэмизувчиларда ва одамларда кўкрак қафасини қорин бўшлиғидан ажратиб турадиган, мускул-пайдан иборат парда, тўсиқ. *Қуённинг гавда бўшлиғини*

иккига бўлиб турган мускулли парда диафрагма деб аталади. «Зоология».

2 *опт.* Фотоаппарат ва бошқа оптик асбобларда ёруғлик оқимининг ўтишини камайтирувчи, чекловчи мослама.

ДИАХРОНИК *тлш.* Диахронияга оид, диахронияга асосланган. *Ўзбек халқ шева ва диалектлари ўзбек адабий тили билан ҳам диахроник, ҳам синхроник планда жуда узвий боғлиқдир.* «ЎТА».

ДИАХРОНИЯ [диа.. + *юн.* chronos – вақт, давр] *тлш.* Айрим тил ҳодисаларининг тарихан ўзгарган ҳолда изчил ривожланиш босқичлари; давр ўтиши билан тилда юз берувчи ўзгаришлар; тил тараққиётини вақт нуқтаи назаридан ўрганиш.

ДИВАН [*ф.* دیوان – подшо ўтирадиган курси] Ўтириш ва ётиш учун мўлжалланган суянчиқли, икки четида дастаси ёки ёстиқчаси бўлган юмшоқ мебель. *Ҳар куни ишдан келаман-у диванга таппа ташлайман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДИВЕРСАНТ *айн.* **диверсиячи.** *Эдгар ўртоқлари билан кўплаб диверсант гуруҳларни йўқ қилди..* Газетадан.

ДИВЕРСИЯ [*лот.* diversio – бошқа томонга тортиш, чалғитиш] Бирор мамлакатнинг ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларини бузиш, портлатиш, вайрон қилиш мақсадида чет эл агентлари ёки душман ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган қўпорувчилик ҳаракати. *Душманлар очиқдан-очиқ диверсиялар қилишгача бориб етмоқдалар.* Газетадан.

ДИВЕРСИЯЧИ Диверсия билан шуғулланувчи, қўпорувчи; диверсант.

ДИВЕРСИЯЧИЛИК Диверсия ҳаракатлари; қўпорувчилик.

ДИВИДЕНД [*лот.* dividendum – бўлиниши керак бўлган нарса] Акциядорлик жамияти фойдасидан акция эгаларига уларнинг акциялари миқдорига мувофиқ равишда белгили вақтларда тўланадиган ва уларнинг даромадига айланадиган қисми. *Йил якунига кўра, ҳар бир пай аъзоси 66 минг сўмдан дивиденд олади.* Газетадан. *Ҳиссадорлар эса салкам беш йилдан бери дивиденд нималигини билишмайди.* Газетадан.

ДИВИЗИОН [*лот.* divisio – бўлиш, ажратиш, бўлим] **1** Артиллерияда, отлиқ қўшинларда ва бронетанк қисмларида 2–3 батареядан иборат тактик бўлинма.

2 Ҳарбий-денгиз флотида: бир турдаги бир неча кема ва катерлардан иборат қўшилма.

ДИВИЗИЯ [*лот.* divisio – бўлиш, бўлим] Баъзи хорижий мамлакатларда бир неча полк ёки батальондан, турли қўшин турларининг қисм ва бўлинмаларидан таркиб топган ҳарбий қўшилма. *Танк дивизияси.* ▬ *Валиевни дафн қилаётганда, бутун дивизия йиғлади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Суннат иш билан дивизия штабига келганди. Дивизия кўп қурбонлар берди.* А. Раҳмат, Фронт йўлларида.

ДИГАР [*ф.* دیگر – иккинчи, ўзга, ёт] *эск. кт.* Бошқа, ўзга: кейинги; бошқача. *Жигар – жигар, дигар – дигар.* Мақол. ▬ *Дунёда ғарқ бўлиб ўлгандир ёрим, Ёнбошимда йўқдир ёри дигарим.* «Нурали». *Бу дунёда жигаргаям, дигаргаям ишониб бўлмас экан.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

Намози дигар *айн.* **намозгар 2.**

ДИД [*ф.* دید – қараш, нигоҳ; кузатиш] **1** Гўзалликни, нафосатни ҳис этиш, ундан эстетик завқ олиш қобилияти. *Нозик дид. Дид билан кийинмоқ. Дидига тўғри (мос) келмоқ. Ҳар кимнинг диди бошқа, ҳар гулнинг ҳиди бошқа.* Мақол. ▬ *Устунлар нақшинкор, бино пештоқларига дид билан ранг берилган эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ҳовлидаги орасталик уй эгасининг яхши дид эгаси эканидан далолат эди.* «Ёшлик». *Халқимизнинг китобга бўлган эҳтиёжи, эстетик диди ҳам ўсмоқда.* «Саодат».

Дидига ўтирмоқ Маъқул келмоқ. *Аёлнинг хушсуханлигию пазандалиги ҳам, уй-рўзғор тутиши ҳам Роҳат холанинг дидига ўтиришди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

2 Ақл-фаросат, фаҳм, идрок. *Дидингга дид қўш, Фаросатингга – фаросат.* Мақол. ▬ *Дунёдан умиди бўлмаган одамда дид ҳам, орзу-ҳавас ҳам сувга уриб кетар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Дидини бермоқ Ўхшаб кетмоқ, ўхшаб кўринмоқ, ўхшамоқ. *Ўзи ёш бўлса ҳам, олтмиш яшар чолнинг дидини беради.*

ДИДА *айн.* **дийда.**

ДИДАКТИЗМ [*юн.* didaktikos – ибратли; таълим берувчи] *пед.* Ўгит-насиҳатга эгалик, ибратлилик, насиҳатомузлик. *Дидактизм ғоялари.*

ДИДА́КТИК Дидактика мутахассиси, дидактика ўқитувчиси.

ДИДАКТИ́К 1 Дидактикага оид, дидактика тамойилларига асосланган. *Бундай ҳикоятлар маълум маърифий дидактик аҳамиятга эга.* «ЎТА». *Бобур ғазаллари ва рубоийлари.. унинг дидактик ва фалсафий фикрларининг изҳоридан иборатдир.* «ЎТА».

2 *кт.* Ибрат бўладиган, ўгит-насиҳат берадиган, панд-насиҳат тарзидаги. *Дидактик асар.*

ДИДАКТИКА [*юн.* didaktikos – ибратли; ўргатувчи, таълим берувчи] Педагогиканинг таълим ва ўқитиш назарияси (мақсади, мазмуни, қонуниятлари ва тамойиллари), умумий метод ва шакллари ҳақидаги бўлими. *Дидактика деганда, умуман, ҳар қандай фандан билим бериш жараёнида таълимнинг ташкилий жиҳатлари тушунилади.* «ЎТА». *Навоий каби гигант санъаткорлар ижодида, масалан, дидактикага ҳам катта ўрин берилган.* Газетадан.

ДИДБОН [*ф.* دیدبان – кўзни сақловчи; кузатувчи; хабар берувчи] *ҳарб.* Баландликдан туриб, чор-атрофни кузатиб, душман хавфидан огоҳлантирувчи одам. *..чўлдан бирон аломат кўринган ҳамон дидбон тезда бошқаларга хабар етказар, дарров хотин-қизларни кўчирармиз.* С. Айний, Қуллар. *Ҳў тепаликда бир дидбон кўринади.* «Ёшлик».

ДИДБОНЛИК Кузатувчилик; дидбон вазифаси. -*Биз, – деди деҳқонлардан бири, – навбат билан чўл этагига чиқиб, душманни кузатиб, дидбонлик қилиб туришимиз керак.* С. Айний, Қуллар.

ДИДЛАМОҚ Мўлжалламоқ, чамалаб, тахминлаб кўрмоқ. *Эрталаб ўзи дидлаб қўйган баъзи аломатларига дуч келиб, тўғри йўлни топди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Айтгандай, мен бир кишини дидлаган эдим. Лекин тўғри келармикан деб турибман.* «Муштум».

ДИДЛИ 1 Гўзалликни, нафосатни ҳис этадиган, ундан эстетик завқ ола биладиган. *Дидли одам. Юксак дидли санъаткор.* ▬ *Юксак дидли, билимдон томошабин мазмунсиз қаҳқаҳадан кўра, мазмунли жилмайишни афзал кўради.* «ЎТА». *Нозик табиатли, нозик дидли бу аёл [Мукаррама опа] саҳна кийимимизнинг ҳам ижодкори эдилар.* «Саодат».

2 Ақл-фаросатли, фаҳмли, идрокли. *Ҳамма ёқда дидли, меҳрибон хотиннинг қўли сезилиб турар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ДИДЛИК *айн.* **дидли.** [*Рене*] *Хушрўй, мулойим, дидликкина йигит экан.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ДИДСИЗ Ақл-фаросатсиз; бефаросат; хунук. *Дидсиз ўтирган ерини ҳам чангитар.* Мақол. ▬ *Хотиннинг устида узун, ранги униққан қора атлас кўйлак бўлиб.. қалин лаблари дидсиз бўялган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Фаросатсиз, дидсиз, нодонда кўз доимо кўр, оёқ – шолдир.* Нурбек, Умид йўли.

ДИД-ФАРОСАТ Ақл-фаросат, фаҳм, идрок. *Дид-фаросати бор аёл. Дид-фаросатга эга бўлмоқ.*

ДИЕТА [*юн.* diaita – яшаш тарзи; овқатланиш тартиби] Бемор ёки соғ одамнинг маълум овқатланиш тартиби; беморнинг белгиланган овқатларнигина истеъмол этиши; парҳез. *Диета сақламоқ.*

ДИЕТИ́К Диетага, парҳезга оид. *Диетик овқатлар. Диетик ошхона.*

ДИЕ́ТИК Диетани, парҳезни сақловчи; буюрилган парҳез овқатларни истеъмол қилувчи, парҳезчи.

ДИЕТОЛОГИЯ [диета + *юн.* logos – тушунча, таълимот] Тиббиётнинг соғлом кишиларнинг ёки турли хил касалликларда беморларнинг тўғри, оқилона овқатланиш тартибини ўрганувчи бўлими.

ДИЕТОТЕРАПИЯ [диета + *юн.* therapeia – парвариш; даволаш] Ҳар хил касалликларни махсус танлаб олинган маҳсулотлар билан, муайян тартибга риоя қилган ҳолда даволаш усули.

ДИЁНАТ [*а.* دیانت – дин, эътиқод; диний таълимот, ишониш] **1** Виждон, виждонлилик, инсоф. *Диёнати йўқ одам.* ▬ *Бой деганда диёнат бўлармиди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *[Жамшид] Бегимқуловга инсоф, унинг хўжайинига диёнат тилаб, хонадондан чиқди.* «Ёшлик». *Дунёда диёнат ҳали мавжуддир, ҳали мард йигитлар яшаб юрибди.* А. Орипов, Йиллар армони. *Унинг раҳбарлигида барпо этилаётган мустақил ўзбек давлати уч забардаст асосда – диёнат, адолат ва интизом негизида қад кўтармоқда.* Газетадан.

Диёнатини ютмоқ Виждонини сотмоқ, виждонсизларча иш тутмоқ.

2 Диний қонун-қоидаларга қаттиқ риоя этиш; диндорлик, тақводорлик. *Бўтам, мўминлар Муҳаммад йўлидан чиқиб кетяпти. Хотинларда диёнат қолмади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш*

чоғида кўндаланг келадиган виждон бор, дин бор, диёнат бор. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ислом дини – бу ота-боболаримизнинг дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик.* Газетадан.

ДИЁНАТЛИ 1 Виждонли, инсофли; диёнати бор. *Пошшахоннинг иккинчи эри сўққабош, завод ишчиси, топгани бир оилани тебратишга етадиган диёнатли эркак эди.* Д. Нуров, Осмон устуни. *Яхшиямки, хоннинг ёнида диёнатли бир одам бор экан, шу киши жонимга ора кирди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Дин қонун-қоидаларига риоя қиладиган, тақводор. *Ҳар қандай хотин билан ҳам иноқ бўлавермаганининг ўзи ўта диёнатли, покдомон эканининг нишонасидир.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Йўқ, қайси мусулмон, қайси диёнатли ота ўз фарзандини, яна бегуноҳ, қўй оғзидан чўп олмайдиган ўғлини "оқ" қилиб, даргоҳидан ҳайдар экан?!* К. Яшин, Ҳамза.

ДИЁНАТПЕША [диёнат + пеша] Диёнатни ўзига одат қилиб олган; ақл-идрок, инсоф соҳиби; диёнатли. *..Токи диёнатпешалардан ақл-идрок ўрганиб, имони бутун бўлиб қайтсин.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДИЁНАТСИЗ 1 Инсофи йўқ, виждонсиз, шафқатсиз. *Ёнимга келма, инсофсиз, диёнатсиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Дин қонун-қоидаларига риоя қилмайдиган; бетавфиқ. *Диёнатсиз одам.* ▬ *Шошмай тур, сенларга бир жазо берайки, бошқа сенга ўхшаган диёнатсизларга ҳам ибрат бўлсин.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ДИЁР [*а.* ديار – уй, маскан; мамлакат; ўлка] **1** Мамлакат, юрт, ўлка. *Ҳур диёр. Она диёр.* ▬ *Бектемирга нотаниш қандайдир қушлар гала-гала бўлиб, аллақайларга, гўзал, иссиқ диёрларга сафар қиладилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Диёримизда бир-биридан гўзал, оромбахш ва шифобахш масканлар жуда кўп.* Газетадан.

2 Яшаш жойи, маскан. *Чўпонлар диёрида одамнинг қадри ниҳоятда баланд эканини ҳиротликлар пайқаб ўтиришарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *кўчма* Бирор нарса кўп бўлган, кўп етиштириладиган жой. *Тилда достон Фарғона – Ипак пахта диёри.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

4 *кўчма* Олам, борлиқ; қучоқ, бағир. *У ёшлик чоғиданоқ меҳнат диёрига кирди.* Газетадан. *Унинг хаёли сирли, яширин завқлар диёрига учди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эҳ, нақадар ахир бепоён Сукунат деб аталган диёр.* Р. Парфи, Кўзлар.

5 Диёр (эркаклар исми).

ДИЗАЙН [*ингл.* design – режа, ният; лойиҳа, чизма, расм] **1** Бадиий фаолият тури – эстетик хусусиятларга эга бўлган нарсалар, саноат буюмларини лойиҳалаш, жойлаштириш, жиҳозлаш; бадиий жиҳатдан лойиҳалаш, ташкил қилиш. *Дизайн соҳасидаги мутахассислар махсус олий ўқув юртларида тайёрланади.* «ЎзМЭ». *Замонавий дизайн.. суратлар – буларнинг ҳаммаси [китобни] ёрқин нашрлардан бирига айлантирган.* Газетадан.

2 Шу асосда бажарилган ишларнинг умумий ҳолати, кўриниши. *Бино дизайни.* ▬ *Яна бу ускуналар ўзига хос гўзаллик – дизайн яратиш билан ҳам эътиборга лойиқ.* Газетадан.

ДИЗАЙНЕР Нарса ва объектларни безаш, уларга расм чизиш, тасвир тушириш – дизайн билан шуғулланувчи шахс; дизайн бўйича мутахассис. *Бирор бир ҳинд дизайнерини яқинлаштиргани йўқ.* Газетадан.

ДИЗЕЛЛИ Дизель ўрнатилган, дизель кучи билан юрадиган. *Дизелли трактор.*

ДИЗЕЛЬ [*нем.* немис ихтирочи инженери Р. Дизель (Diesel) исмидан] Суюқ ёнилғининг оғир турлари (мас., дизель ёнилғиси) билан ишлайдиган ички ёнишли двигатель. *Кечаси билан гупиллаб чиққан дизель шовқини тиниши биланоқ, симёғочларда чироқ ўчди.* С. Аҳмад, Саҳарларда. *Нарёқда қатор турган бешта дизель баравар гуруллади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ДИЗЕЛЬ-МОТОР *айн.* **дизель.**

ДИЗЕНТЕРИЯ [*лот.* dis – йўқолиш, ажралиш, бўлинишни билдирувчи префикс + *юн.* enteron – ичак] *тиб.* Йўғон ичакнинг яллиғланиши ва қон аралаш ич кетишидан иборат оғир юқумли касаллик; ичбуруғ. *Дизентерияга қарши кураш. Дизентерия микроблари.* ▬ *Дизентерия – жуда хавфли юқумли касаллик бўлиб, унинг микроблари сувда узоқ вақт сақланади.* Газетадан.

ДИЗИЛЛАМОҚ "Диз-диз" товуш чиқармоқ. *Ҳар ёқда турли ҳашарот овозлари визиллайди, дизиллайди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ДИЙДА [*ф.* دیده – кўз] *айн.* **кўз 1.** *Боши айланиб, кўзи тинди. Тўшакка беҳол чўзилди. Дийдасини ёш босди.* С. Сиёев, Аваз. *Юсуф*

билан Аҳмадбекнинг дийдаси намланди. «Юсуф ва Аҳмад». *Ўнг қўлидаги даструмоли билан дийдасини артди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Дийдам устига Бош устига, хуш келибсиз. *Сизнинг билан бўлсин энди давроним, Дийдамнинг устига, азиз меҳмоним.* «Ширин билан Шакар». *Қўйган қадамларинг дийдам устига.* «Равшан». **Дийдаси бўш** Кўнгли бўш, раҳмдил; йиғлоқи. *Тўғри, биз хотинларнинг дийдамиз бўшроқ бўлади, баъзан йиғи юракни бўшатади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Дийдаси юмшамоқ** Кўнгли бўшамоқ, раҳми келмоқ. *..лекин Халил бобонинг дийдаси юмшамади.* «Ёшлик». **Дийдаси қаттиқ** Кўнгли қаттиқ, бераҳм; кўзига ёш келмайдиган. *Мен эркакларнинг дийдаси қаттиқ бўлади, деб эшитар, ўзим ҳам шунга ишонар эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Сен ўзингни етимча қилиб кўрсатмай қўя қол, дийдамиз қаттиқ, йиғлатолмайсан.* А. Мухтор, Чинор. *Раҳматли онасининг дийдаси қаттиқ эмасди.* «Ёшлик». **Дийдаси қотмоқ (*ёки* қотиб қолмоқ)** 1) кўравериб кўникиб кетмоқ, қўрқмайдиган бўлиб қолмоқ. *Ўшанда ўлимни кўравериб, дийдаси қотиб қолган эканми..* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) йиғлайвериб кўз ёши қуриб қолмоқ. *Йиғлайвериб, дийдаси қотиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ; 3) меҳрсиз бўлиб қолмоқ, безмоқ. *Бундай қош-қовоқ қилиб, ҳадеб эрингнинг жиғига тегаверма. Дийдаси қотиб, уйидан безийди.* С. Нуров, Нарвон. **Нури дийда, нуридийда** 1) кўз нури; 2) *кўчма* севикли фарзанд. *Она нури дийдаси ва жигар-пораси Норматни жуда соғинганини.. ёзган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қўзичоғим, алла, Нури дийдам, алла.* «Бойчечак». **Оби дийда, обидийда** Кўз ёши; кўз ёши тўкиш, йиғи. *Бу гапни каллангдан чиқар, сен меникисан, оби дийдани йиғиштир!* А. Мухтор, Асарлар. *Алқисса, обидийда қилиб, падарга жавоб бердимки: ..нима қилсалар, соҳиби ихтиёр ўзларидирлар».* А. Қодирий, Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан.

ДИЙДАГИРЁН [дийда + гирён] Йиғили; йиғлаган, кўз ёши тўккан. *Дийдагирён бўлмоқ.* ▬ *Кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди. Дийдагирён бўлиб, бағри эзилди.* «Ширин билан Шакар». *Тарзинг кўриб, менинг кўнглим бузилди, Дийдагирён бўлиб, бағрим эзилди.* «Маликаи айёр».

ДИЙДИЁ 1 Хотинлар ўртасида ўқиладиган, айтиладиган "дийдиё" радифли шеър ёки шўх лапар тури. *-Орадан ярим соат ўтар-ўтмас дийдиё ўқиб, хотинларни йиғлатиб ўтирган дарвишнинг қўлини орқасига боғлаб, иягига елим билан ёпиштириб олган узун соқолини юлиб ташладик, — деди Ҳошимжон.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. *-Э, Салтанат отин, кўчада ҳам дийдиё ўқиб қолибсиз? — деди Башорат.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

2 *кўчма* Дард-ҳасрат; хархаша, инжиқлик. *Бинафшахон ҳамон дийдиё қилмоқда эди.* М.М.Дўст, Галатепа қиссаси. *Дийдиёси жонимга тегди. Баъзида кутаётганим Ёсуман аслида шу эмасми, деб ўйлаб қўяман.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Отамурод чуқур тин олди: худо берди унга. Бошланади энди. Роса дийдиёсини айтадиган бўлди.* М. Мансуров, Ёмби. *Шербек онаси ўзини кутаётганини пайқаб кулимсиради: яна ўша эски дийдиё — қачон уйланасанни бошласа керак, деб кўнглидан ўтказди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Қуруқ гап, сафсата; ваъз-насиҳат. *Раҳмат, Эсонбой, дийдиё эшитишга тоқатим йўқ.* Ш. Холмирзаев. Бодом қишда гуллади. *Ҳар хил миш-миш, дийдиёларга қулоқ солган ҳам аҳмоқ, бунақа майда гапларни уйга ташиб келган ҳам аҳмоқ.* С. Нуров, Нарвон.

ДИЙДИРАМОҚ Совуқ қотиб титрамоқ. *Пошша хола совуқдан дийдираб, тушга яқин қизиникига кириб келди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Розия Сатторнинг қўлида совуқдан дийдираб турган болани кўрди.* П. Қодиров, Эрк.

ДИЙДОР [*ф.* دیدار — ташриф; учрашув; ташқи кўриниш, юз] **1** Кишининг юзи, жамоли, рухсор; башара. *Азизхон ҳеч кимнинг Лутфинисо дийдорига тўйиб қарашини истамасди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Саккиз ойдан бери энди кўриб ўтирибман дийдорингизни.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кўзим ололмайман гул дийдорингдан, Толган юракларга жон бўлур пайванд.* Миртемир, Асарлар.

2 *кўчма* Узоқ айрилиқ, соғинчдан кейин кўришиш, учрашиш. *Хат — ярим дийдор.* Мақол. ▬ *Айрилиқларни кўравериб зада бўлган юраклар бу кутилмаган дийдордан ларзага тушди.* «Шарқ юлдузи».

3 *кўчма* Меҳрибонлик, ғамхўрлик. *Нима қиласиз гўдакни ота дийдоридан маҳрум*

қилиб. С. Аҳмад, Уфқ. *Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан ортиқроқ ғам йўқ.* Газетадан.

Бола (*ёки* **гул, мол) баҳона, дийдор ғанимат** Бирор нарсани важ қилиб, бирор мақсадни амалга оширмоқ. *Соддасиз, саркор, соддасиз! Бола баҳона, дийдор ғанимат, деган гапни эшитганмисиз?* Уйғун, Асарлар. *Мол баҳона, дийдор ғанимат қилиб, кўришиб олардим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Дийдор кўришгунча** Яна кўришгунча, хайр (хайрлашув ибораси). *-Дийдор кўришгунча, — деди у секин.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Хайр энди, баҳорим, кўришгунча то дийдор.* А. Орипов, Йиллар армони. **Дийдор кўришмоқ** Узоқ айрилиқ, интизорликдан кейин учрашмоқ, юз кўришмоқ. *Дийдор кўришар кун яқин. Аммо ҳужум қилаётир дилимга фироқ.* Т. Тўла. *Биз Сўнагул билан неча бор видолашиб, неча бор дийдор кўришдик.* А. Мухтор, Асарлар. *Жўрахоннинг айтаётган ашуласи бахт ҳақида, муҳаббат ҳақида.. севгилиси билан дийдор кўришишни истаб, соғиниб юрган йигитнинг висол орзулари ҳақида эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Она ёлғиз ўғли билан дийдор кўриша олмади.* Газетадан. **Дийдор кўрсатмоқ** Ўзини намоён қилмоқ; кўриниш бермоқ, кўринмоқ. *Бир кўрсатиб ғамза билан дийдор ўзинг, Лутфу карам қилдинг кулиб изҳор ўзинг.* Ҳабибий. **Дийдор очмоқ** Юзини очиб кўрсатмоқ. *Тўйлар муборак, э севгили ёр! Келдим йироқдин, оч менга дийдор.* С. Абдулла. **Дийдор — ғанимат!** Бу ўткинчи дунёда тез-тез кўришиб, учрашиб турайлик, деган маънода ишлатиладиган ибора. *Одам — омонат, дийдор — ғанимат.* Мақол. **Дийдор қўшмоқ** Насиб қилмоқ. *Дийдор қўшса, қиёматда кўргаймиз.* «Холдорхон». **Дийдори ўчсин (***ёки* **қурсин)** *қарғ.* Афти қурсин, қуриб кетсин. *Қорачироғингни ўчир, дийдори қурсин!* Уйғун, Асарлар. *Таннозхон! Дийдоринг ўчсин сенинг!* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Дийдорига зор бўлмоқ** Кимсани кўришга муштоқ бўлмоқ. *Лекин фақат дийдорингга бўлиб зор Тўпланишдик, ҳамма ортиқ беқарор.* Ҳ. Олимжон. **Дийдорига муяссар этмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) Дийдор кўрсатмоқ, юз кўрсатмоқ. *Охири ўз дийдорига муяссар қилган қутлуғ ва шарофатли кун келди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Дийдорига тўймоқ** Соғинган ёки севган кишисини кўриб, васлига тўймоқ, хумордан чиқмоқ. *У қанча-қанча термилса ҳам, эрининг дийдорига тўя олмасди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Вой болам-эй, келганингдан бери кўчадан кирмайсан, бундоқ бирпасгина дийдорингга тўйиб гаплашолмайман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Қиёмат дийдор бўлмоқ** Юз кўришмайдиган бўлиб кетмоқ. *Нуралиман, қон йиғлайман зор-зор, Отам қолди ушбу ишдан бехабар. Шу сабабдан бўлдим қиёмат дийдор.* «Зулфизар билан Авазхон».

ДИЙДОРЛАШМОҚ Кўришмоқ, юзма-юз бўлиб суҳбат қурмоқ. *Наврўз кунларида ҳар бир киши.. қариндошларини байрам билан муборакбод этади, дийдорлашишга ҳаракат қилади.* Газетадан. *Аваз чой дамлади. Катта минор тепасидан офтоб кетгунча икки дўст дийдорлашиб ўтирдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Улар шу тариқада бир неча дақиқа дийдорлашишди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ДИК *тасв.с.* Юқори томон йўналган ва жуда тез содир бўладиган, бир онли ҳаракат ҳақида. *Бурга дик этиб сакради. Бола дик (этиб) ўрнидан турди.* ▬ *Гавҳар суюниб кетганидан дик этиб ўрнидан турди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шанба куни ногиҳоний бир хабар Поччажоновни ётган еридан дик турғизди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар. *Котиба раис кириши билан дик этиб ўрнидан турди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ДИКАНГ-ДИКАНГ *айн.* **дик-дик** *[Болалар] Бирпасда диканг-диканг сакраб келиб, қўлларидаги тутам-тутам бойчечакни ўқитувчига тақдим қила бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДИКАНГЛАМОҚ Дик-дик ҳаракат қилмоқ, дик-дик сакраб юрмоқ, ирғишламоқ. *Мурод Хўжараҳмоннинг диканглаб кетаётганини завқ билан кузатди-да, кейин ашуласини баланд қўйди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ДИКАНГЛАТМОҚ Дикангламоқ фл. орт. н. *Қўғирчоқни диканглатиб ўйнатмоқ.* ▬ *Сайфи Соқиевичнинг ўзи Сирожиддинни диканглатиб етаклаб борди-да, ҳужжатларини тарих факультетига топшириб келди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ДИК-ДИК Дик с. такр. *Дик-дик сакрамоқ. Дик-дик юрмоқ.* ▬ *Ёқутойим худди коптокдай дик-дик этиб, эрига яқинлашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Эчким тупроқни чангитганча дик-дик йўрғалайди.* «Ёшлик».

ДИКДИККА *шв.* Диккак. *Отга солди дикдикка, Қойил бўлинг эрликка.* «Равшан». *Қурбон ҳам тўриқнинг дикдиккасини тагига солиб, эгарга бош қўйиб, чўғларга хомуш тикилиб ётарди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Дикдиккаси ипакдан, Сачоғида зумрадлар.* «Ойсулув».

ДИКИЛЛАМОҚ 1 Сакраганнамо, дик-дик ҳаракат қилмоқ, дикир-дикир сакраб юрмоқ. *Дикиллаб турган улоқ чопқиллаб бориб, елинга ёпишди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Тамиллани кўрган.. мунчоқ кўзли қўзичоқ унинг олдига дикиллаб чопиб келди.* К. Раҳим, Қўнғироқли қўзичоқ.

2 Шошиб-пишиб, ўйноқилаб юрмоқ. *Анна Ивановнанинг майда қадам билан дикиллаб орқага қайтишидан унинг бу учрашувдан хурсанд эканлиги кўриниб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ДИКИЛЛАТМОҚ 1 Дикилламоқ фл. орт.н.

2 Шошилтирмоқ, югуртирмоқ. *Элликбоши уни тезроқ қалъага дикиллатиб олиб боришга ошиқарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ДИКИР *тасв. с.* Дик-дик ҳаракат ҳақида.

ДИКИР-ДИКИР Дикир с. такр. *Дикир-дикир сакрамоқ.* ▬ *Юнглари қирқилиб енгил бўлган қўй-қўзилар дикир-дикир сакрашади.* «Шарқ юлдузи». *Эрталаб балконга чиқсанг, рўпарангдаги каштан дарахтида олмахонлар дикир-дикир ўйнаб юради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Директорнинг розилигини олган уста бўлса, дикир-дикир ўйнар эди.* «Гулдаста».

ДИКИРЛАМОҚ Дикир-дикир ҳаракат қилмоқ, дикилламоқ. *Майна эшагини хихлади ва шу заҳотиёқ кетидан Нарзи тоға минган эшакнинг дикирлаган йўрғаси эшитилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Қумтепаликлар бағрида кўм-кўк, хушхўр ўтларни еб семирган қўйэчкилар, дикирлаб, чопқиллаб, сакрашиб юрган қўзичоқларни, туя ва йилқиларни Жунаидхоннинг навкарлари ҳайдаб, чет эл чегарасига олиб боришарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ДИККАЙМОҚ Тикка кўтарилиб турмоқ, тиккаймоқ. *Ҳозир у доим диккайиб турган сочларини ҳўллаб тараган, қора костюм-шим кийган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тўламат мўйловнинг ўсиқ қошлари диккайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қулоғи диккаймоқ 1) қулоғи тик кўтарилмоқ, чимирилмоқ. *Кўчадаги шарпани эшитган жийрон қашқанинг қулоқлари диккайди.* С. Нуров, Нарвон. *Эшак бўрини кўрган заҳоти, қулоқлари диккайиб қотиб қолган, дами ичига тушиб.. юришга мажоли қолмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) диққати тортилмоқ; қулоқ солмоқ. *Шу вақт ичкаридан хотинларнинг фавқулодда қий-чув товушлари эшитилиб, иккисининг [Ҳожи ва Ҳасаналининг] ҳам қулоқлари диккайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДИККАЙТИРМОҚ Диккаймоқ фл. орт. н. *От ҳуркиб, қулоқларини диккайтириб, орқага қочмоқчи бўлди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Таъсирланиб кетганимни Ражаб ака сезибди шекилли, мўйловини диккайтириб, кулимсиради.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Қулоғини шунча диккайтирса ҳам, хавфни Дадақўзи эмас, Ҳожимат сезди.* А. Мухтор, Асарлар.

ДИККАК От устига ташланадиган безакли, попукли ёпиқ; жул. **Давир, дикдикка (дирдикка, диккак**) *сўзлари фақат достонлар тилида учрайди.* «ЎТА».

ДИКОНГ-ДИКОНГ *шв. айн.* **диканг-диканг.** *-Эҳ, маза, маза! — деб Попук севинчидан қуёндай диконг-диконг сакради.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ДИКОНГЛАМОҚ *шв. айн.* **дикангламоқ.** *Ҳожи бува чойни ҳам кутиб ўтирмай, соат саккизларда диконглаб, кўчага чиқиб кетди.* Мирмуҳсин. *Ювошнинг шўхлиги тутса, янги туғилган бузоқдай, диконглаб сакраб кетади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ДИКРАЙМОҚ Тикка бўлиб турмоқ. *Мўмин ака, худди думини биров босиб олган мушукдай ҳурпайиб, кўзлари чақчайиб, яккам-дуккам мўйлови дикрайиб турарди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

ДИКТАНТ [*лот.* dictare — ҳадеб гапиравермоқ, такрорламоқ; айтиб туриб ёздирмоқ] Имловий ва пунктуацион қоидаларнинг ўзлаштирилиш даражасини текшириш учун айтиб туриб ёздириладиган ёзма иш. *Диктант ўтказмоқ. Диктант олмоқ.*

ДИКТАТОР [*лот.* diktator — қадимги Римда фавқулодда ҳолатларда сайланадиган, чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган шахс] Чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган ҳоким, якка ҳукмдор, ҳокими мутлақ. *Кромвель ҳарбий диктатор бўлиб қолди.* «Янги тарих». *Диктатор Пиночет халқаро суд ҳукмига топширилди.* Газетадан.

2 Бирор соҳада, масалада ўз ҳукмини, сўзини ўтказувчи шахс.

ДИКТАТОРЛИК 1 Чекланмаган ҳокимиятга эгалик; диктатор мақомида бўлишлик.

2 Ана шундай ҳуқуқ берувчи лавозим, шароит. *Диктаторлик режими. Диктаторлик даври.*

ДИКТАТУРА [*лот.* dictatura – диктатор унвони; чекланмаган ҳокимият] Давлат бошқарувининг нодемократик усуллар билан амалга оширилиши; зўравонликка таянувчи чекланмаган ҳокимият; тоталитар режим. *Фашистик диктатура. Ҳарбий диктатура.*

ДИКТОВКА [*лот.* dictare – айтиб туриб ёздирмоқ]: **диктовка қилмоқ** 1) тингловчи ёзиб олиши учун бирор-бир матнни овоз чиқариб айтиб туриш. *Бўлмаса, сиз секин-аста диктовка қилинг, мен ёзиб олай.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) *с.т.* бирор фикрни ёки хусусий фикрни амалга оширишга мажбурлаш. *Менга диктовка қилманг, нима қилишни ўзим биламан.*

ДИКТОВКАЧИ Бирор матнни ўзгаларнинг ёзиб олиши учун ёддан айтувчи ёки ўқувчи шахс. *Йигит бутун вужуди билан ишга берилиб кетди. Бунда унга диктовкачи қиз Раҳимахон айниқса кўмакдош бўлди.* Газетадан.

ДИКТОР [*лот.* dictor – сўзловчи, гапирувчи] Радио ёки телевизор орқали узатиладиган тайёр матнларни микрофон олдида ёки телекамера қаршисида ўқиб эшиттирувчи ходим; сухандон. *Радиоузел диктори. Диктор бўлиб ишламоқ.* ▬ *Диктор ғалаба тўғрисидаги хабарни қайта-қайта такрорлаяпти.* Т. Ашуров, Оқ от. *Радиодан таниш дикторнинг овози тантанали янграмоқда эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Талантли дикторимиз Қодир Махсумов айниқса лирик шеърларни ўқиганда, киши қалби тўлқинланиб кетади.* Газетадан.

ДИКТОФОН [*лот.* dictare – айтиб турмоқ + *юн.* phone – товуш, овоз] Оғзаки нутқ, куй ва товушларни ёзиб олиб, қайта эшиттирадиган қўл аппарати. *Тошкентдаги "Тез ёрдам" клиникасида магнитофон, диктофон хизматларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.* Газетадан.

ДИКЦИЯ [*лот.* dictio – талаффуз қилиш] Нутқ, қўшиқ ва декламацияда сўз, бўғин ва товушларни талаффуз этишнинг аниқлик даражаси. *Унинг дикцияси яхши.* ▬ *Юмористик образ яратишда ижрочилар мимика, диалог, дикция, грим, костюм, бутафория каби театр элементларидан усталик билан фойдаланадилар.* М. Қодиров, Халқ рақслари ҳақида.

ДИЛ [*ф.* دل – юрак; қалб, кўнгил] **1** *айн.* **юрак 1.** *Дил уриши. Дил ўйноғи. Содда сири – тилида, Писмиқ сақлар дилида.* Мақол. ▬ *Ичкаридан дилни ларзага солувчи фарёд эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Дилим бақувват, қўлим юмуш қидиради.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *кўчма* Кишининг ички руҳий дунёси, ички ҳис-туйғуларининг маркази, рамзи; кўнгил, қалб. *Муҳаббат – дил меваси.* Мақол. *Дилда бўлса, тилга келади.* Мақол. ▬ *Киши дилини, киши ҳушини олиб қўядиган куй.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Азизхоннинг бу гапдан дили ёришиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Дил боғламоқ Кўнгил қўймоқ, дўстлашмоқ, яқинлашмоқ. *Савлатига боқма, ким номард экан, дил боғлама.* Ҳабибий, Девон. **Дил мулки (***ёки* **кишвари, уйи)** Кишининг ички дунёси, бутун вужуди; кўнгил тўри. *Дил мулкида сенсан меҳри ховарим.* Ҳабибий, Девон. *Суҳбати ҳикматга бой, дил кишварин обод этар.* Ҳабибий, Девон. **Дил овламоқ** *айн.* **кўнгил овламоқ** *қ.* **кўнгил. Дил оғритмоқ** Хафа қилмоқ, ранжитмоқ. *Дил оғритган – дўст эмас.* Мақол. ▬ *Бир-икки киши Карим отанинг дилини оғритди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Дил чигили (***ёки* **ғубори)** Юракдаги орзу-армон, йиғилиб қолган дард; дилхиралик. *Дил чигили ёзилсин, деб токқайчи олиб, гулзорга кирдим.* Газетадан. *Ширин суҳбат билан дилларнинг ғуборини совурамиз.* Ойбек, Навоий. **Дил яраси** Кўнгилдаги ғам-алам, алам-аччиқ. *Бош яраси тузалса ҳам, дил яраси тузалмас.* Мақол. *Қозон қораси кетар, дил яраси кетмас.* Мақол. **Дил қуввати** Кишининг руҳини кўтарувчи, кишига мадад, дадиллик берувчи нарса. *Дилимнинг қуввати, дардимга дармон бир келиб кетсун.* Ҳамза. **Дилдан** Жону дил билан, самимий, чин кўнгилдан. *Мен сизни дилдан севаман. Бизга ёзган хатида дилдан салом айтибди. Дилдан табрик этмоқ.* **Дили бузилмоқ (***ёки* **вайрон бўлмоқ)** *айн.* **кўнгли бузилмоқ** *қ.* **кўнгил 1. Дили оқ** Кўнглида кири йўқ, оққўнгил, софдил. *Онанинг кўкраги битмас булоқдир, Дили оқ бўлгандан сути ҳам оқдир.* Ё. Мирзо. **Дили оғримоқ** *айн.* **кўнгли оғримоқ** *қ.* **кўнгил. Дили сиёҳ** Кўнгли ранжиган, ниҳоятда хафа. *Тонгдан бери дилим*

сиёҳ: ёмон туш кўрдим. Ойбек, Қуёш қораймас. **Дили хуфтон (***ёки* **қоронғи, вайрон)** Кўнглига ҳеч нарса сиғмайди, ниҳоятда хафа. *Кечагина дили хуфтон эди.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Дили вайрон бўлиб, зор-зор йиғлагиси келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Фақат Дилдорнинг дили қоронғи, либоси қора эди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Дили қон** Юраги ғам-ғуссага тўлган; руҳан эзилган. *Мана шу дили қон, юзи заъфарон халқ чеҳрасидаги бир оний шодлик Қудратни ўзининг ёниқ, илиқ бағрига тортарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ғуломжон ҳам сувга ташна жон, ҳам ёр ҳажрида дили қон эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Дили қора (***ёки* **кир)** Кўнгли қора, нияти, мақсади бузуқ. *Дили қора — тили қора.* Мақол. *Ғийбатчининг дили кир, Ғар-ўғрининг тили бир.* Мақол. **Дили ғаш** *айн.* **кўнгли ғаш** *қ.* **кўнгил.**

3 *кўчма* Кўнгилдаги нарса (тилак, мақсад, ният, ўй, фикр ва ш. к.). *Дили тўғрининг йўли тўғри.* Мақол. *Қўли қинғирнинг дили қинғир.* Мақол. *Чўпон дил қилса, такадан сут олар.* Мақол. ▬ *Дили яқин кишилар бир-бирининг кўнглидагини дарров топади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *От ҳам эгасининг дилини билгандай, битта-битта қадам ташлаб, сувлиғини шиқирлатиб борар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Аҳли дил 1) *дин.* тасаввуф кишиси, суфий; 2) ҳасраткаш, кимсанинг ҳасратига шерик бўла олувчи киши; 3) бировнинг дилидагини тушуна олувчи, суҳбатдош мақсадини яхши англовчи киши. *Бу замонда шеър тинглайдиган аҳли дил қолмабди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аҳли дилларга нозу фироқ ярашмас.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Дил розини айтмоқ (***ёки* **изҳор этмоқ)** Кўнгил (қалб)даги истакларини изҳор қилмоқ. *Раиса эри билан орани очиқ қилиб қайтган йиллари.. турмуш қурайлик, деб дил розини айтган эркаклар бўлди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Нуқсонингни айтган дўстга дил розини изҳор этсанг арзийди.* Газетадан. **Дилга тугмоқ** Кўнгилда, ичда, юракда сақламоқ, ичга солмоқ. *Дунё шундай ясалган экан, болам. Бировга ёруғ, бировга қоронғи. Аммо ҳар нарсани ўйлаб, дилингга тугма, хафақон бўлиб қоласан.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бир сирни дилингга туг. Уч-тўрт кун ичида дараги чиқиб қолади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дилни ёрмоқ** Фикру ўйларини ўртоқлашмоқ, сирларини айтмоқ. *Бугун боқсам, сен дилингни ёрасан, Неча вақтдан буйтиб сен оворасан.* «Эрали ва Шерали». **Рамзи дил** Кўнгил ишораси, кўнгилдаги муддао. *Ҳали ҳам кўнгли аро борми деб ишқим асари, Рамзи дил олмоқ учун билгани мастон келадур.* Ҳамза. **Шарҳи дил** *қ.* **шарҳ**. **Қулфи дил** *қ.* **қулф**. **Қулфи дили очилмоқ** *қ.* **қулф.**

4 *кўчма* Кишининг хотири, эс, ёд, хаёл; кўнгил. *Тўртни ёзамиз, икки дилда. Дилимга бир гап келди. У гапларни дилимдан чиқариб юборганман.* ▬ *[Ғуломжон] Қизнинг ўзини ҳам бир кўриб, суратини дилига чизиб олган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бизларга, истасанг — шу, истамасанг — катта кўча, дейди. Тилида айтмаса ҳам, дилида айтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аваз дилида Мутриб билан келишмади.* С. Сиёев, Аваз.

ДИЛАБГОР *айн.* **дилафгор.** *Янгилик бор, деб бир ниманинг исини чиқардинг-у, мани дилабгор қилиб кетдинг.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Жангчилар, Саша ўлиб, дилабгор бўлиб, взводга қайтганида, тонг ёриша бошлаган эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ДИЛАФГОР [*ф.* دلافگار — дили яраланган, вайрон бўлган] *эск. кт.* Ғам-қайғу, ҳасрат чекиб ёки озор тортиб, дили вайрон бўлган; кўнгли бузилган, дилпора. *Ҳа, бурчакдаги кичкина стол ортида мунис ва дилафгор ҳамхонаси Маҳзуна ўтирарди.* Х. Темиров, Хиёбондаги одам. *[Пирназар полвон] ..дилафгор кўнглини кўтарадиган, ҳамиша яхши ишнинг бошида турадиган одатини ташлади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Ўйламасму қайда қолди деб дилафгорим ҳануз.* Ҳабибий, Девон.

ДИЛАФГОРЛИК Қайғудан кўнгли вайрон бўлганлик. *Бор дилозорлик сенга-ю, Бор дилафгорлик менга.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

ДИЛАФЗО [*ф.* دلافزا — кўнгилни кўтарувчи, юракни тетик қилувчи] Кўнгилни кўтарувчи; шодлантирувчи. *Худо ҳаққи, дилафзо, сўнгги тонг бу, Муҳаммадга аянчли сўнгги жанг бу.* Т. Тўла, Асарлар.

ДИЛАФКОР *айн.* **дилафгор.** *Нечунким, марҳамат бўлсин неча мендек дилафкора.* Увайсий, Кўнгил гулзори.

ДИЛАФРЎЗ [*ф.* دلافروز — кўнгилни шодлантирувчи] **1** *поэт.* Кўнгилга қувонч бахш этувчи, дилни ёритувчи, қувонтирувчи. *Мунаввар ва дилафрўз баҳор келди.* «Саодат». *Мен висол боғининг бўлдим меҳмони, қалъага*

чўкканда дилафрўз оқшом. Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

2 Дилафрўз (хотин-қизлар исми).

ДИЛБАНД [*ф.* دلبند – дилни тортувчи, кўнгилни боғловчи; азиз] **1** Кўнгли бировга боғланган, мафтун бўлиб қолган. *Азал-абад ҳамдаммиз, азал-абад дилбандмиз, Салом келтирдик сенга Сирдарё бўйларидан.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ғунча бошин эгмоқ бўлар гоҳ шамол, Осон енгилмайди замин дилбанди.* Г. Жўраева, Иқбол.

2 *сфт.* Дилни ўзига тортувчи, мафтун этувчи. *Бу қўшиқлар умрга пайванд, Нақадар шод, ёқимли, дилбанд.* Х. Расул. *Тожикларнинг тоғлари аро Ўрин олган бир дилбанд қишлоқ.* Шайхзода.

3 *кўчма* Суюкли бола, азиз фарзанд. *Фарзандинг – дилбандинг.* Мақол. ▬ *Мушфиқ она кўз олдида Ўсиб борар дилбанди. Минг хил ният хаёлида: Ким бўларкин фарзанди!?* Э. Раҳимов. *Ҳасанхон ҳам бировларнинг дилбанди.* «Ҳасанхон».

ДИЛБАР [*ф.* دلبر – дилни тортувчи, жалб этувчи, ёқимли] **1** Дилни мафтун этадиган, ўзига тортадиган, ёқимли, дилрабо. *Дилбар манзара. Дилбар боғлар.* ▬ *Бу ерда табиат сахий ва дилбар, Хоҳла – нур, хоҳласанг – тахтдир соя жой.* М. Эгамбердиева, Гулбарг. *Яхшиям боқийдир дилбар шеърият, Самандар мисоли ўлим билмас жон.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *от* Гўзал ёр, маъшуқа, маҳбуба. *Қўлларимдан тут ўзинг, дилбар, Ойдин йўлга етакла мени..* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Баҳорда очилган боғнинг гулисан, Сен ҳам бир дилбарнинг жони-дилисан.* «Маликаи айёр».

3 *сфт.* Кўркамлиги, одоби ва назокати билан эс-ҳушни оладиган, чиройли. *Дилбар йигит.* ▬ *Энг дилбар одамни сўрдилар мендан, Менинг отам дедим, отам, албатта!* Т. Тўла, Асарлар. *Унақа [Раҳимахондек] дилбар жувон энди қаёқда!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 Дилбар (хотин-қизлар исми).

ДИЛБАРЛИК Гўзаллик ва мафтункорлик хусусиятига эгалик; нафосатлилик. *Саҳнага чиқадиган артистда ўзига хос дилбарлик бўлиши керак.* Газетадан. *Саъдулла Сиёевнинг қисса ва ҳикоялари.. тилининг ўктам ва дилбарлиги билан эътиборлидир.* Газетадан.

ДИЛБАСТА [*ф.* دلبسته – дили боғланган, ошиқ] Ишқ дардига мубтало бўлган, ошиқ; мафтун. *Ҳар кимсага кўп лутфу карам айладинг, аммо Дилбаста Ҳабибийга нечук ноз қилурсан?* Ҳабибий, Девон.

ДИЛГИР [*ф.* دلگير – нохуш, хафа, маҳзун; жаҳли чиққан] **1** Кўнгли ғаш, кўнгли олинган, юраги сиқилган. *Абдусалом дилгир бўлиб, отасини кутиб ўтирган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Лекин мезбоннинг дилгир кайфияти уларнинг очилиб-сочилиб ўтиришига монелик қиларди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Дилгир дилни шод этиш, ноҳақ йиқилганни суяш, туҳматга учраганни ҳимоя қилиш – марднинг иши.* Газетадан.

2 Юрагини олдириб қўйган, қўрқиб қолган. *Ўша даҳшатли воқеадан кейин у жуда дилгир бўлиб қолган.*

ДИЛГИРЛИК 1 Хафа, ғамгин кишининг кайфияти; кўнгли ғашлик; ғамгинлик. [*Султонмурод*] *Бугун ҳам эрталабдан бери дилгирликдан ўзини овутиш учун бир неча марта китобларга мурожаат этди.* Ойбек, Навоий. *Комил кулимсиради, дилгирлиги бир оз тарқалди.* «Ёшлик».

ДИЛДИРАМОҚ Совуқдан қалтирамоқ, титрамоқ. *Оч, дилдираб қолган Умид иссиққина танчада ўтириб, танига қайта жон кирди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бурчакда ўша ногирон хўтикча зах ва совуқдан бошини солинтириб, дилдираб турарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Оппоқ қор.. Қош қорайганда, юпун кийинган одамлар қунушиб, дилдирашиб, чойхонага томон кела бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДИЛДОР [*ф.* دلدار – жасур, қўрқмас; севгили, севикли киши] **1** Гўзал ёр, маъшуқа, севгили. *Ғуломжон.. тўймаган кўзлари билан дилдорига тикилиб: "Хайр, яхши қолинг", – деди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Неча вақтдан бери ҳайрон бўлибман, Ажойиб дилдора дучор бўлибман.* «Қўшиқлар». *Ўйласам, гулчеҳра дилдоримга дилдор ўхшамас, Лоларанг рухсорига ҳар лоларухсор ўхшамас.* Ҳабибий, Девон.

2 *сфт.* Дилни ўзига тортувчи, кўнгилга хуш ёқадиган; ёқимли, меҳрибон. *Мунча ҳам меҳмоннавозу дилкашу дилдор экан..* Ҳабибий, Девон. *Орзуманд кўнглимнинг шўх дилдори сен, Севги салтанатин шуълакори сен.* Миртемир, Асарлар.

3 Дилдор (хотин-қизлар исми).

ДИЛДОРЛИК 1 Дилни тортувчанлик, ошиқлик; ёқимлилик.

2 Меҳрибонлик, дилнавозлик. *Ўз чодирида нимадир ёзиб ўтирган чол дилдорлик*

билан [Арслонқулни] қаршилади. Ойбек, Навоий. *Ҳа, мени бу хатарли йўлдан қайтарган хотиним, унинг дилдорлиги, вафосадоқати бўлди.* Газетадан.

ДИЛДОШ Сиру асрорларини яширмасдан ўзаро ўртоқлашувчи шахс, сирдош, ишончли суҳбатдош. *Дўстинг билан дилдош бўл. Қилар ишида қўлдош бўл.* Мақол. ▬ *Ўқишга кетган кунимдан бошлабоқ сенингдек дилдош, суянчиқ ахтардим.* «Ёшлик».

ДИЛЕММА [ди.. + *юн.* lemma – асос, далил бўла оладиган ҳукм] Бир-бирига зид бўлган икки номақбул имкониятдан бирини танлашга мажбур бўлиш.

ДИЛЕР [*ингл.* dealer – биржа даллоли] **1** Товарлар (маҳсулот) олди-сотдиси билан шуғулланувчи, ўз номидан ва ўз маблағи ҳисобидан ҳаракат қилувчи жисмоний шахс ёки фирма.

2 Қимматбаҳо қоғозлар, валюталар, қимматбаҳо металлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи, ўз номидан ва ўз маблағи ҳисобидан ҳаракат қилувчи фонд биржаси аъзоси, жисмоний ёки юридик шахс.

ДИЛЕРЛИК Дилер касби, вазифасида бўлишлик, шу иш билан шуғулланиш. *Товар ресурсларини тақсимлашнинг биржа тизимини вужудга келтириш кўплаб тадбиркорлик бўғинлари – брокерлик ва дилерлик идоралари.. пайдо бўлишига олиб келди.* Газетадан.

ДИЛЖАМ [дил + *а.* جمع – тўпланиш, бирлашиш] *фольк.* Кўнгли жойига тушган, хотиржам, осойишта. *Ана энди кўнгли дилжам бўлиб, Ёвмит элига Гўрўғлибек уч кун тўйтомоша бериб, ўз ишида бўлди.* «Юнус пари». *Олиб келиб, дорга тортиб ўлдириб, Кўнглимни дилжам қилинглар.* «Юсуф ва Аҳмад».

ДИЛ-ЖИГАР : дил-жигаридан урмоқ *айн.* **жигаридан** (*ёки* **юрагидан) урмоқ** *қ.* **урмоқ**.

ДИЛ-ЖОН, дилу жон *кам. қўлл. айн.* **жондил**. *Сен менинг дилу жонимсан. Жўхори – чорванинг дилу жони.* ▬ *[Ҳожи она бойга:] Хонзода.. сени дилу жонидан яхши кўрар экан.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ДИЛИЖОН [*фр.* diligence] Транспорт тараққий этмаган вақтларда почтани, йўловчилар ва уларнинг юкларини мунтазам ташиш учун хизмат қилган тўрт ғилдиракли катта соябон арава.

ДИЛИКАПТАР [*ф.* دل‌کفتر – каптар юраги] Узумнинг кечпишар, хўраки нави. *Куз кунлари. Ишкомларда ҳусайни, диликаптар, кишмиш, шивирғониларнинг боши ерга тегай деб энгашган.* С. Абдулла, Бир шингили томоқни ёради.

ДИЛКАШ [*ф.* دلکش – дилни тортувчи, мафтункор, жозибали] **1** Кишини ўзига тортувчи, суҳбатлашса завқ, лаззат оладиган; суюкли. *Дилкаш қиз. Дилкаш йигит.* ▬ *Ростини айтганда, шундай дилкаш йигитга чиндан тоға бўлишни кўнглим тилаган эди.* Н. Норматов, Исмоил тоға тарозиси. *Бобо анча дилкаш, суҳбати ширин ва ўтган замонларни эслаб гапиришни ёқтирарди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Кишининг баҳридилини очадиган, дил баҳра оладиган. *Шу дилкаш дамларда мен яйраб, Лаззатга ғарқ бўлиб кетаман.* Ҳ. Олимжон.

ДИЛКАШЛИК Кишини ўзига жалб қилишлик, самимийлик; очиқ кўнгиллик. *Дилкашлик қилмоқ.* ▬ *[Йигитнинг] Дилкашлиги Шербекка ёқиб тушди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дилкашлик қиладиган Ҳафизасиз каттакон ҳовлида "шоми ғарибон" қилиб, кампир бувининг бир ўзи шумшайиб ўтирди.* Мирмуҳсин, Умид.

ДИЛКУШО [*ф.* دلگشا – кўнгилни очувчи] *кт.* Баҳридилни очадиган, кўнгилни хушнуд қиладиган; оромбахш. *Бу водийда сиз айтган аждаҳо нафасидай гармселлар ўрнига дилкушо шабадалар эсади.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Сенингдек дилкушо жонон топилмас.* Ҳабибий, Девон.

ДИЛНАВОЗ [*ф.* دلنواز – дилни, кўнгилни эркаловчи] *кт.* **1** *сфт.* Кўнгилни овловчи, кўнгилни хушнуд этувчи; марҳаматли, ёқимли. *Мулойим, дилнавоз садолар унинг [Йўлчининг] бутун томирларидан ҳордиғини суғургандай бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Иқлими дилнавоз, бойликлари беқиёс.. бизнинг бу серқуёш ўлкамизда олтин куз барқ урмоқда.* Уйғун.

2 Дилкаш ёр, маъшуқа. *Менинг дилнавозим, нигорим келур.* Ҳабибий, Девон.

ДИЛНАВОЗЛИК Кўнгилни хушнуд этишлик; меҳрибонлик.

ДИЛОВАР [*ф.* دل‌آور – юракли, мард, жасур, қаҳрамон] **1** Юракли, қўрқмас, жасур, ботир. *Замину замонда ўзингсан ғолиб, Эй, менинг диловар, оловқалб укам.* А. Орипов, Йиллар армони. *Бирга борар моҳи анвар, Қаватинда диловарлар.* «Гулшанбоғ».

2 Диловар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ДИЛОВАРЛИК Диловар кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; қаҳрамонлик, ботирлик. *Диловарлик кўрсатмоқ. Диловарлик жанги.*

ДИЛОЗОР [*ф.* دلآزار – дилга озор, ранж етказувчи, дилни яраловчи] **1** Кишининг дилига озор берувчи, кишини ранжитувчи, муомаласи совуқ, ситамгар. *Дилозор одам. Дилозордан худо безор.* Мақол. *Кимки бўлса дилозор, Ундан элу юрт безор.* Мақол. ▬ *Раис ака, унақа дилозор бўлманг,* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Юракни эзувчи, оғир, машаққатли. *Уларни ночор, дилозор қора кунлари мажбур қиларди!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДИЛОЗОРЛИК **1** Дилозорга хос хатти-ҳаракат; дилозор бўлишлик. *Энди қариб бораётибман, бор умрим сипоҳилик қиламан деб, дилозорлик билан ўтди.* «Нурали».

2 Кишининг дилига озор етказиш, одамни ранжитиш. *Дилозорлик қилмоқ.* ▬ *Дилбар бу гапларнинг ноўрин ва дилозорлик эканини била туриб гапирар эди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

ДИЛОРО [*ф.* دلآرا – дилга оро берувчи, кўнгилни безовчи] **1** *кт.* Кўнгилга хуш ёқувчи, кишини мафтун этувчи; дилрабо. *Тожикларнинг тоғлари аро Ўрин олган бир дилбанд қишлоқ. Дарахтзори кўм-кўк, дилоро, Аталаркан у "Баланд қишлоқ".* Шайхзода.

2 Дилоро (хотин-қизлар исми).

ДИЛОРОМ [*ф.* دلآرام – дилга ором, роҳат бағишловчи] **1** *сфт.* Дилга осойишталик бағишловчи, кўнгилга ором берувчи; оромбахш, роҳатбахш. *Навниҳоллар, кўм-кўк япроқлар.. Яшнади-да, бўлди дилором.* Х. Расул.

2 *от* Ширинсўз ва меҳрибон ёр; маҳбуба, маъшуқа. *[Мулларўзи:] Келмайсизми, эй дилором! Юрак беором бўлди-ку!* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Тўйиб шимирса ёрим, Ёзилади хуморим, Чечак очар гулзорим, Кўрсам диloромимни.* Ё. Мирзо.

3 Дилором (хотин-қизлар исми).

ДИЛПАЗИР [*ф.* دلپذیر – кўнгилга мақбул келган, дилтортар] *кт.* Кўнгилга маъқул тушувчи, кўнгилга ёқадиган, ёқимли; дилрабо. *Шайх найда дилпазир бир мақомни ғоят гўзал чалибди.* Ойбек, Навоий. *-Меҳмонлар кўп мулойим, дилпазир кишилар экан, – деди Абдулла.* Й. Шамшаров, Биз тўқайбузарлармиз.

ДИЛПАРВАР [*ф.* دلپرور – дил тарбиячиси, ғамхўри] *кам. қўлл.* Кўнгилни хушловчи, кўнгилга далда, таскин берувчи. *Дилимда тўхтамас ғам, Меҳрибон дилпарварим бордир.* Ҳабибий, Девон.

ДИЛПИСАНД [*ф.* دلپسند – дилга маъқул тушувчи, ёқувчи] *кам. қўлл.* Кўнгилга маъқул тушувчи, кўнгилга ўтирувчи, ёқувчи. *Ҳаётбахш қўшиқдек бўлди дилписанд Одоб расмидаги ноз, ишваларинг.* Х. Расул, Бахт нашъаси.

ДИЛПОРА [*ф.* دلپاره – дили, қалби парчаланган] Ғам-қайғу, ҳасрат чекиб, кўнгли пора, вайрон бўлган; дилафгор. *-У дилпорани икки оғиз сўз билан хурсанд қил, – деди Ҳожи хола Тўтиқизга.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДИЛРАБО [*ф.* دلربا – қалбни жалб этувчи, дилтортар, мафтункор] **1** *сфт.* Кўнгилни мафтун этадиган, кишини ўзига тортадиган; ёқимли. *Дилрабо куй. Дилрабо манзара.* ▬ *Ватан! Нақадар.. дилдор ва дилрабо, жозибали ва ёқимли эшитилади бу сўз!* Газетадан. *Овоз шу қадар тиниқ, дилрабо эдики, Муқаддам хаяжондан энтикиб кетганини сезди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Эй, сиз, тоғлар, дилрабо тоғлар, Ёш қалбимни мафтун этгансиз.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *от* Гўзал ёр, маъшуқа, маҳбуба. *Э дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб.* Ҳамза. *Кетдим бериб кўнгил у дилрабога вафо билан, Тўлдирди-кетди кўнглимни ишқий наво билан.* М. Бобоев.

3 Дилрабо (хотин-қизлар исми).

ДИЛРАБОЛИК Кўркамлик, мафтункорлик; таннозлик. *[Сув] Қанча-қанча ерларга бебаҳо нафосат ёяди, чўлларга жон, боғларга дилраболик бағишлайди энди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ноз этиб, Ҳабибийнинг ишқин имтиҳон айлаб, Расми дилраболикда янги бир шиор этдинг.* Ҳабибий, Девон.

ДИЛРОЗ [*ф.* دلراز – кўнгил, юрак сири] *кт.* Юрак сири, кўнгилдаги ҳасрат ёки тилак, истак, орзу. *Дилроз айтмоқ.* ▬ *Ғуломжон тоғда бўзлаб, дилрозини сўзлаб ётган ойдин кечада бахтнинг шу қадар яқин эканлигини билибмиди?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Улар [Ўғилой ва Ҳаётжон] бир-бирларига қизиқиб қарар, лекин дилрозларини изҳор қилишга ботинолмас эдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ДИЛСИЁҲ [*ф.* دلسیاه – қора юрак, ёмон ниятли] **1** Бировга яхшиликни раво

кўрмовчи, ички қора, бахил. *Уларни боғчадан қувиб борамиз, Даф бўлсин дилсиёҳ, бахил, ғаламис.* «Муштум».

2 Ичи қора одамдан жабр кўрган, кўнгли қолган, ранжиган. *Ҳа, танисаям, танимаганга соляпти ўзини, дедим-да, дилсиёҳ бўлиб, қайтиб кетдим.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ДИЛСИЁҲЛИК Бировнинг ноҳақ, ноўрин ҳаракати, сўзидан қаттиқ ранжишлик ёки ана шундай ҳаракат билан бировни ранжитишлик; хафагарчилик. *-Ҳозирча тинч яшаб турибмиз. Тағин орага бирон дилсиёҳлик тушмасин, — деди Лаъли ердан кўзини узмай.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Устма-уст юз берган дилсиёҳликлар Муҳаммад Шарифнинг юрагини зада қилиб қўйди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал. *Уйдаги дилсиёҳлик каттаю кичикнинг, айниқса бундай ҳолатга кўникмаган Шавкатнинг вужудини сирқиратарди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ДИЛСЎЗ [*ф.* دلسوز — юракни, қалбни ёндирувчи; жонкуяр] *кт.* Дилни куйдирадиган, ўткир, таъсирли; жонни олувчи. *Номаи дилсўз. Ошиқи дилсўз.* ▬ *Чиқарди жонидин бир оҳи дилсўз, Қиёмат бўлди гўёки ўшал рўз.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Ошиқ бир номаи дилсўз юборибдир.* «Муштум». *Яшин уриб кетган дарахтдек тўниб, Поёнсиз бўшлиққа қарайман дилсўз.* Р. Парфи, Кўзлар.

ДИЛСЎЗЛИК 1 Дилни ўрташлик, ўта таъсирчанлик, мафтункорлик.

2 Юракдан берилганлик; ачинганлик, жонкуярлик. *Қамбарали Мирҳомидхўжанинг сўзига жон-дили билан қулоқ солар экан.. Мирҳомидхўжага дилсўзлик важҳидан чуқур уф тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДИЛТАНГ [*ф.* دلتنگ — юраги тор, сиқилган] **1** Юраги сиқилган, ғоят хафа, ғамгин; маъюс. *Шу кунларда шоҳ жуда дилтанг эди.* «Баҳром ва Гуландом». *Жўнар бўлдим мен бундан дилтанг, Йўлларимга қараб қолдинг сен.* А. Орипов, Йиллар армони. *Гоҳи мағрур, гоҳи дилтанг, Гоҳи ҳазин, гоҳи туматароқ.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Юраги тор, тажанг; паришон. *Дилтанг одам.* ▬ *Эломонов дилтанг қўл силкиб қўя қолди.* М.М.Дўст, Галатепа қиссалари. *Қўлимни боғла, майли, бўлма дилтанг! Элимни ёқма-ю, элтиб мени ёқ!* С. Абдулла, Асарлар. *Шунақа дилтанг пайтда Холқўзининг келгани унга булут орасидан чиққан офтобдек туюлди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ДИЛТАНГЛИК 1 Юраги сиқилган, ранжиган ҳолат; хафалик; тажанглик. *Даврон дилтанглик билан бир неча бор у ёқдан-бу ёққа юрди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Хотиним сал хавотирланиб, эрим шоирмас, ёзувчи, деб эътироз билдирган экан, врач куёвим дилтанглик билан қўл силтабди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Паришонлик; маъюслик, хафагарчилик. *Салиманинг сал ёришганидан кўнгли таскин топса ҳам, бари бир, зимдан сезилиб турган дилтанглигини билолмайди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДИЛТОРТАР 1 Кўнгилга хуш келадиган; кўнгилга яқин; дилни ўзига тортадиган, мафтункор, дилкаш. *Дилтортар дўст.* ▬ *Чол дилтортар кишиси олдида ечилди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар. *Чойдан сўнг икки дўст икки-уч дилтортар улфат билан тоққа чиқиб кетишга қарор қилдилар.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 Кишига ёқадиган, хуш келадиган; ёқимли. *Муқимийни кўрганлар кам бўлса ҳам.. унинг оғиздан оғизга ўтиб келган дилтортар ғазалларидан.. танийдиганлар кўп.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДИЛФИГОР [*ф.* دلفگار — қалби, кўнгли яраланган] *кт. айн.* **дилафгор.** *Ҳажр доғи дардманду дилфигор айлар мени.* Нодира. *Ўтса ойлар ҳам, Муқимий, дилфигорим бор эди!* Муқимий.

ДИЛХАСТА [*ф.* دلخسته — юраги пора; дилпора; кўнгли қолган] **1** Юраги касал, қалби парчаланган. *Киши ҳар куни шудринг кўтарилмасдан гул теришни тарк этмаса, асло дилхаста бўлмайди, ўпка касалига йўлиқмайди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

2 *кўчма* Юраги пора бўлган, эзилган; ниҳоятда хафа. Шу *тўрт девор ичида қон ютиб, беҳад заҳмат чеккан дилхаста синглингизга лоақал сиз шафқат қилингиз.* Ойбек, Улуғ йўл. *Заррае андиша қил, увол эмасму, эй пари, Бир ғариб дилхастага бермоқ эсанг мунча азоб.* Ҳамза, Асарлар. *Таъсир айламас, дилхаста Ниҳон, қилғонинг била минг оҳу фиғон.* Газетадан.

ДИЛХАСТАЛИК 1 Қалби шикасталик, юраги касаллик.

2 *кўчма* Юраги эзилганлик, маъюслик, хафалик. *..дилхасталик пайтида Эгам унга [Ҳабибага] меҳр ва ёрдам қўлини чўзди.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

ДИЛХИРАЛИК [дил + хиралик] Кўнгил совиши; хафачилик, араз. *Икки кунлик дилхираликдан сўнг улар яна ярашишди.* Мирмуҳсин, Умид. *Маликанинг муҳаббати эрига фақат дилхиралик келтирарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Орадаги дилхиралик учди-кетди.* М.М.Дўст, Лолазор.

ДИЛХИРОЖ [*ф.* دلخراش – қалбни тирновчи, юракни эзувчи] Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи. *Бирдан уйни бошга кўтаргудек бўлиб, дилхирож куйи янгради.* С. Зуннунова, Узилган ип. *Даврада Инобат, Зуҳралар ўйнашар дилхирож йўлида.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

ДИЛХОНА [*ф.* دلخانه – кўнгил уйи] *поэт.* Кишининг ички дунёси; кўнгил, дил. *Рангим бўлди-ку заъфарон, Дилхонаси сенсиз вайрон.* «Нигор ва Замон».

ДИЛХОҲ [*ф.* دلخواه – юрак истаги, интилиш; орзу-умид қилинган нарса] **1** Кўнгил истаган, дил хоҳлаган, кўнгил суйган. *Эй кабутар, шеърим олиб, ёри дилхоҳимга элт.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Онажоним, менга бу кун сендан ўзга дилхоҳ йўқ!* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

2 *айн.* **дилтортар**.

ДИЛХУН [*ф.* دلخون – юраги қон, қалби яраланган; ғам-аламли] **1** Қаттиқ алам чекиб ёки хафагарчиликдан юраги қонга тўлган, қаттиқ хафа. *[Онаси] Уни юпатгули.. сўз тополмай дилхун бўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аваз, мотамсаро уйга кираётгандек, дилхун бўлиб остона ҳатлади.* С. Сиёев, Аваз. *Ки байтим сатри иккидур: Бири дилхуш, бири дилхун.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

2 *кўчма* Кишига азоб берувчи, ёқимсиз, жирканч. *Аҳмад чуқур хўрсинди. Бу оғир, жирканч, дилхун муҳитни тарк қилиб, озодликка – кўчага чиқиб кетди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 *кўчма* Бағри қон, қип-қизил. *Тонг қўйнида маъюс ва дилхун Атиргуллар эгар бошини.* «Ёшлик».

ДИЛХУНЛИК Ғам-ғуссага ботганлик, ўта хафақонлик, дилпоралик. *Истардим: оламда ўтса дилхунлик, Истардим: оламда фақат гулгунлик.* Миртемир, Асарлар.

ДИЛХУШ [*ф.* دلخوش – қалби шод, мамнун, хурсанд] **1** Қалби қувончга тўлган, шодон, хурсанд. *Дилхуш бўлмоқ. Дилхуш қилмоқ.* ▬ *Нормаматнинг назарида, у [имом] ширин калом, дилхуш одам чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. -*Мен сизга бир мисол келтирмоқчиман, – деди дилхуш оҳангда.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Кўнгилни хушнуд этадиган, шодлантирадиган. *Дилхуш оҳанг.* ▬ *Кечаги ёмғирдан нишон ҳам қолмаган: хушбўй шабада, дилхуш манзара, оромижон табиат.* И. Раҳим, Ихлос. *Келинг, яхшиси, ҳамма кунларимиз бугунгидай дилхуш ўтиши учун ичайлик.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ДИЛХУШЛИК Қалби қувончга тўлишлик, хурсандлик; яхши кайфият. *Назирхон.. дилхушлик билан кулиб гапира бошлади..* Р. Файзий, Гўзал. *У бирпас ўйланқираб туриб, яна қайнотасига дилхушлик кўрсатишга уринди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Кўнгил очиш, хурсандчилик қилиш. *Турдиевнинг шу важоҳатини кўрган киши уни бир умр дилхушлик қилмаган.. дейди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ўша куни у ишдан кейин ҳамтовоқлари билан дилхушлик қилди.* Газетадан.

ДИЛШИКАСТ(А) [*ф.* دلشکسته – юраги парчаланган, кўнгли синиқ; хафа] Кўнгли синиқ, кўнгли ярим, кўнгли вайрон; дилафгор. *Мусофир, дилшикаста меҳмоннинг дилин шод айламоқ мезбонга яхши.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Биламан, албатта, дилшикастман, Ана у дарахтга болта урсалар.* А. Мухтор, Асарлар.

ДИЛШИКАСТ(А)ЛИК 1 Кўнгли синиқлик, кўнгли яримлик; маҳзунлик.

2 Дилшикаст кишининг кайфияти.

ДИЛШОД [*ф.* دلشاد – кўнгли шод, хурсанд; мамнун] **1** Қалби қувончга тўла, хушнуд, хурсанд. *Ҳар ким ўз севгани бирла дилшод. Тутқун эмас, эркин ҳамда озод.* Ҳабибий. *Обод уйимни у дилшод қилди.* Ғ. Ғулом.

2 Дилшод (эркаклар исми).

ДИЛШОДЛИК Шодонлик, хурсандчилик; хурсанд кайфият, мамнунлик. *Узоқяқинларда турли-туман қушлар ўз тилларида дилшодлик қиладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Не қилайки, одамлардек яшолмадим дунёда, Лек кўнглимда нолиш эмас, алланечук дилшодлик.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ДИЛҒАШ [*ф.* دلغش – кўнгли беҳузур, бехуд; кўнгли алағда, юраги ғаш] *кам қўлл.* **1** Кўнгли хижил; ўта ғамгин, хафа. *Бир тонг Ҳофиз Кўйкий дилғаш бўлиб уйғонди.* «Ёшлик».

2 Кўнгилни хижил қилувчи, кўнгилни чўктирувчи, кишини хафа қилувчи. *Дилғаш воқеа.* ▬ *Ногоҳ Севаргулнинг кўз ўнгида дилғаш бир манзара нурланиб, яна қулоғига ўзининг аламнок бўзлагани эшитилаётгандек туюлди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ДИЛҒАШЛАНМОҚ Кўнгли хира бўлмоқ, кўнгли бузилмоқ, юраги сиқилмоқ. *Давлат тепадан бостириб келаётган қорамтир булутларга дилғашланиб тикиларкан, қорнимиз тўқ, эгнимиз бут, аммо кўзимиз оч, кўнглимиз юпун, деб ўйлади.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ДИЛҒАШЛИК Кўнгли хижиллик, хафалик. *Чиндан ҳам, жигардан, юракдан ўтиб кетадиган дилғашлик эди бу.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ДИМ I **1** Шамолсиз, шабадасиз ва нафасни қайтарадиган даражада иссиқ. *Ҳаво шу қадар иссиқ, дим эдики, эрталаб ўрилган пичан кечгача шақирлаб қуриб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Жазирама иссиқдан ҳаммаёқ дим бўлиб кетган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ҳавоси етишмайдиган, ҳавоси бузилган; оғир, бўғиқ. *Ўтов дим бўлгани учун Юсуфжон анча вақтгача ухлай олмайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ҳаммомдагидай гуп этиб, юзимга дим ҳаво урилди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Дим хонада қасқонга тушгандек аъзойи баданимдан тер қуйилади.* «Гулдаста».

3 Ичи ҳаво билан тўлиб қолган, ичига ҳаво йиғилган. *Ошнам, тошдек оғир, пуфланган мешдек димсан. Бир кун паққа ёрилиб, ўлигингга эга бўлмасалар, шу.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ДИМ II **1** *айн.* **жим**. *Писмиқ дим ўтирар.* Мақол. ▬ *[Мулларўзи Мулладўстга:] Дим! Оғзингизни паришон қилмай, сабр қилиб турсангиз, шу ҳафта ичида бўлади-қолади.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Шунча шовқин бартараф бўлиб, дим бўлди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

2 Овоз чиқармай, гапирмай жим ўтириш ўйини. *Дим ўйнамоқ.* ▬ [*Умматали*] *Ишга шўнғиб, ҳамма билан дим ўйнайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ДИМ III *шв.* **1** Сира, асло. *Ичкари кир, ёта бергин жойингга, Дим уларга қарай кўрма, чироғим.* «Равшан». *Подшосин ушлаб олинглар, Бежой хўрликлар кўрсатиб, Дим индамасдай қилинглар.* «Гулнорпари».

2 *шв. айн* **жуда, жуда ҳам**. *-Аваз оға, сизга дим жабр бўлди, — деди [Шерозий].* Ж. Шарипов, Хоразм. *Азизим, Сизни дим соғиндим.. тушларимда кўриб чиқаман.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *шв.* Ҳеч ҳам, ҳеч бир, тамоман, умуман. *Молининг дим сони йўқ.. қирқ йигит асло саришта қилолмайди.* Э. Жуманбулбул ўғли, Булбул тароналари. *-Мен сендан жуда қўрқардим, Ойдонажон, сенда ор-номус, уят, шарм-ҳаё деган сўз дим йўқ экан, — деди Седана.* «Хушкелди».

ДИМ-ДИМ I Димлаб, аста-аста қайнатиб тайёрланадиган овқат. *Товуқ дим-дим тайёрлаш учун семизроқ бройлердан танлаб олинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ДИМ-ДИМ II **1** Индамаслик, овозини чиқармаслик, жимлик, бости-бости. *Профессор узукни Сунбулхон аяга бериб, бу гапни дим-дим қилиб юборишни тайинлади.* Мирмуҳсин, Умид. *..Назаримда, бир гап борга ўхшайди. Ҳаммаси дим-дим, қидиришмаяпти.* С. Зуннунова, Гулхан. *Дим-дим, ўра кўмдим, Гапирганнинг оғзига Бир шапалоқ урдим.* «Бойчечак».

2 Болаларнинг индамай, жим ўтиришдан иборат бир хил ўйини. *Орага жимлик чўкди. Аёллар, гўё дим-дим ўйнаётгандек, чурқ этмай, қирга қараб юра бошладилар.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Болтаевнинг тутган йўлига келганда, у дим-дим ўйинига ўхшайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ҳар учови [Салом бувиш, Нодира хола, Марям бахши] ҳам дим-дим ўйнагандай жимиб қолди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ДИМИҚ *шв. айн.* **дим** I **2**. *..дам ўтмай аччиқ изғирин шовуллаб, димиқ айвонга ёпирилди-да, ўчоқ олдидаги хас-хашакни ҳовли саҳнига шопириб ўйнади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Муқимий чўчиб уйғониб кетди, Оқжарнинг димиқ, қора тунида.. аъзойи бадани зирқираб оғримоқда эди.* С. Абдулла, Қувғунда.

ДИМИҚМОҚ 1 Ҳавонинг жуда иссиқлиги ё ўта намлиги, ёки бошқа ҳолат туфайли қийналиб нафас олмоқ, нафаси қайтмоқ; бўғилмоқ. *Ҳовлини қўрғонсифат қуриб, тор жойда димиқиб яшашни жини севмайди.* «Ёшлик». *Тўғонбек димиққандек оғир нафас олиб, даричанинг икки табақасини ҳам кескин итариб юборди.* Ойбек,

Навоий. *Бир маҳал Пошша кампир димиқиб, секин бошини кўрпадан чиқарди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *-Албатта очиш керак, — деди онаси ўрнига жавоб қилиб Абдусаттор, — қурт димиқиб қолибди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

2 Нафас қайтарадиган даражада бузилмоқ, оғирлашмоқ (хона берклиги туфайли ёки ундаги баъзи нарсалар таъсиридан юзага келган ҳаво ҳақида). *Кун бўйи иссиқ қамалиб, димиқиб қолган хонани шамоллатиш учун деразаларни очиб юборди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Кийимларини алмаштириб, ўрнига чўзилди. Уй димиқиб кетгандек, нафас олиш оғирлашиб борарди.* «Ёшлик».

3 Ўралган ҳолатда ёки узоқроқ туриб бўрсиб қолмоқ, айнимоқ, бузилмоқ. *Овқат димиқиб қолибди. Гўшт димиқибди.* ▬ *Ёз бўйи ғўзаларни тўйдирган серунум тупроқ кулранг ўғит билан аралашиб, пастга тушар, остки қатламнинг димиқиб ётган қора тупроғи юзага чиқиб товланарди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар. *Қирғоқларини пўпанак қоплаб, суви димиқиб ётган ҳовуз..* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 *кўчма* Бўғилмоқ (овоз ҳақида). *Бошини кўрпага буркаб олган Элмурод димиққан овоз билан сўради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қўрбоши аччиқ тутун устига энгашиб тура бериб, димоғи тарс ёрилиб кетаёзди ва димиққан овоз билан қичқирди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

5 *кўчма* Бир жойда ўтиравериб зерикмоқ, руҳан эзилмоқ. *Сиз жуда яхши, чиройли, ақлли қизсиз! Бу даргоҳда димиқиб қолибсиз, холос!* «Муштум». *Бу аёл унинг димиққан ҳислари учун, чувалашиб ётган ўйлари учун мана шундай кенгликларга дарча очиб кетгандай эди.* А. Мухтор, Асарлар. *Қобил уларнинг сал зериккан ва димиққан даврасига тоза бир эпкин бўлиб кирди.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

ДИМЛАМА 1 *сфт.* Димлаб пиширилган. *Димлама сомса. Димлама котлет.* ▬ *Овқат вақтида у ўтирмади, сирка-қалампирли яхна калла-поча, димлама жўжа, хуллас, топган-тутганини қўйиб, жон-дилидан хизмат қилди.* А. Мухтор, Асарлар.

2 *от* Гўшт, ёғга пиёз, кўпроқ помидор ва сабзавотлар солиб, шуларнинг буғида (селида) димлаб пиширилган таом. *Димлама учун албатта қўй гўшти бўлиши керак.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Келтирилган тугунни стол устига қўйиб очган эди, ҳамма хонани димлама ҳиди тутиб кетди.* М.М.Дўст, Лолазор.

3 Хомроқ ҳолда узиб, қалин нарсага ўраб, иссиқ тутиб етилтирилган. *Димлама помидор. Димлама нок.* ▬ *Айниқса, фартукли кишиларнинг серсоқоли.. тарози келар-келмас, димлама помидорни харидорга узатди.* «Муштум».

ДИМЛАМОҚ 1 Ҳовури чиқмайдиган қилиб ўрамоқ, шу йўл билан пиширмоқ. *Сомсани димлаб пиширмоқ.* ▬ *Таманно сумкасидан димлаб пиширилган товуқни олди.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Назира ўлжа какликларни димлаб, дастурхонга келтирди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Бўғмоқ, тўсмоқ (сувни).

3 Хомроқ узилган мева ёки сабзавотни ўраб қўйиб, иссиқда етилтирмоқ. *Нокни димламоқ.*

4 Нафасни сиқмоқ, бўғмоқ (ниҳоятда иссиқ ёки бўғиқ ҳаво ҳақида). *Дуруст ухлай олмадингиз дейман? Ҳаво хўп димлади-да, мулла.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

5 *кўчма шв.* Кўндирмоқчи бўлмоқ; алдамоқ, авромоқ. *Ёдгор сени ўлдиришга кўп димлади. Мен қабул қилмадим.* Ҳамза, Асарлар.

Сигирни димламоқ *салб.* Ўз вақтида соғмасдан елинини шиширмоқ (баъзилар сигирни бозорга солиш учун шундай қиладилар).

ДИМЛАНМОҚ 1 Димламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 Тўпланмоқ, тошмоқ; тўсилмоқ. *Қизлар шу куни кечаси билан ухламадилар. Чунки сув димланиб, тўғон тупроқларини ювиб, ялаб турибди, хавф зўр.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бир маҳал Йигитали даранинг суви димланиб оқувчи жой — шовва қаршисидан чиқиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 Ҳовури, буғи чиқмайдиган қилиб бекитиб қўйилмоқ. *Лавлаги айтар лавланмадим, қозон-қозон димланмадим.* «Бойчечак». *Дунё.. кечалари маҳкам димланган қасқонга ўхшаб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДИМЛИК Иссиқдан, ҳавонинг бузилиши ёки етишмаслигидан юзага келган нохуш ҳолат; иссиқлик. *Иссиқ бирмунча бўшашгандек туюлса ҳам, димлик заптида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кечки димлик кўчаларнинг юмшоқ чангини оғир босиб тушмоқда эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ДИМОҒ [*а.* دماغ – мия; бош] **1** *анат.* Бурун бўшлиғи билан оғиз бўшлиғининг туташадиган ери; ҳалқумнинг юқори бўлими. *Гулрўйининг димоғига гуп этганча нам тупроқнинг хуш бўйи урди.* «Ёшлик». *Ўчоқда дамлаб қўйилган палов ҳиди димоғига урилиб, иштаҳасини қитиқлади.* «Ёшлик».

Димоғида гапирмоқ Бўғиқ овоз билан ёки пўнғиллаб гапирмоқ; кулмоқ. *У димоғида гапирар эди. Унинг овози пинғиллаб эшитилгани учун Бегимхон пиқиллаб кулиб юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Руҳий ҳолат, кайфият. *Жаранглашиб, димоғлари чоғ бўлиб, Урганч элга ҳаммаси тўйга кетди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Аҳмаднинг ҳам димоғи чоғлашди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 *кўчма* Ўзини баланд тутиш, кибр-ҳаво, кеккайиш, такаббурлик. *Такаббур, олифта хонимлар димоғ билан кеккайиб, индамай ўтирарди.* Ойбек, Нур қидириб. *Кейинги кунларда Рашидда димоғ пайдо бўла бошлади.* «Шарқ юлдузи».

Димоғи баланд *ёки* **калондимоғ** Бировни менсимайдиган, кеккайган, манман. *-У кишининг олдида ўн соат турсангиз ҳам индамайди, шунақа "димоғи баланд," – деди.* Ойдин, Ҳикоялар. *Бежой баланд шу чопсоннинг димоғи.* «Ҳасанхон». *-Йўқ, – деб ўйлади Яхшибоев, бу элчининг димоғи баланд.* М.М.Дўст, Лолазор. *Бизнинг раис ўжарроқ, Гап уқмас, калондимоғ.* «Муштум». **Димоғи куймоқ** Фириб емоқ, панд емоқ. *Икки йил бўлди куйган эди димоғим.* «Нигор ва Замон». **Димоғи кўтарилмоқ** Ўзини бошқалардан баланд оладиган бўлиб қолмоқ, кеккаймоқ, манманлик қилмоқ. *Оббо! Раис бўлиб, димоғи кўтарилиб қопти-ку!* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Кресло унинг димоғини кўтариб, амал ғурури бошини айлантириб қўйди.* Газетадан. **Димоғи шишмоқ** *айн.* **димоғи кўтарилмоқ.** *Бўлса уй-жой, [Канизакнинг] илгариги эридан қолган рўзғори бордир. Бу безотнинг [Сидиқжоннинг] димоғини шиширган шу нарса.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Айтганингиздек, мингбошининг ўзи ҳам димоғи шишиб қолибди.* Ҳамза, Асарлар. **Димоғига қурт тушмоқ** *ёки* **димоғидан қурт (эшак қурт) ёғилмоқ** Жуда ҳам кеккайиб, ҳеч кимни менсимай қўймоқ. *Аввал уни муллаваччалар судради.. кейин Мамарайим афандининг димоғига қурт тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. [*Қайнотаси*] *Нарироққа бориб тўнғиллади: -Ҳемирининг тайини йўғ-у, димоғидан эшак қурт ёғилади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Димоғидан қор ёғмоқ** Қовоғи очилмайдиган, серзарда бўлиб қолмоқ, жаҳли чиқмоқ. *У [Сатин бойвачча ҳовлига] ҳар кириб чиққанда, бир эт-бир эт тушар, димоғидан қор ёғар ва аламига чидолмасдан, пўнғиллаб ўтарди.* Ҳ. Шамс, Душман. **Димоғ қилмоқ** Арзимаган нарсага аразламоқ, зарда қилмоқ.

ДИМОҒДОР [*а.+ ф.* دماغدار – димоғли, кибрли] **1** Бошқалардан ўзини баланд тутиб, кибр билан юрадиган, кеккайган, кибрли, мутакаббир. *Димоғдорга бир гап оз, икки гап кўп.* Мақол. ▬ *Камол ёшлигида димоғдор Бекхўжа билан ҳеч қачон яқин дўст тутинмаган эди.* «Ёшлик». *Мен баъзи кишиларга ажабланаман. Сал иш қилдими, дарров димоғдор бўлиб кетади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Баландпарвоз, катта. *Ҳар гал учрашувларда Холдор навбатдаги синовдан қўли баланд ўтганлиги ҳақида димоғдор гаплар қиларди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ДИМОҒДОРЛИК Кеккайганлик, манманлик ҳолати, хусусияти. *Йигитали қандайдир димоғдорлик билан гапириб, Назирага ер остидан қараб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Димоғдорлик, ғўдайиш каби хислатлар уларнинг [Чалабийларнинг] касби.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ДИМОҒЛИ *айн.* **димоғдор.** *Ойболтадек салмоғли, Эшон ойимдек димоғли Эшон поччамга салом!* Ҳамза.

ДИМОҒ-ФИРОҚ Нозланиб ёки тихирлик билан муносабатда бўлиш; ноз-истиғно ёки зарда. *Димоғ-фироқ қилмоқ.* ▬ *Уйда ҳам ҳаловат йўқолди.. Олдинги иззат-икромлар димоғ-фироқ ва миннатга ўхшаш нордон киноя билан алмашина борди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Туғаб боряпти-ю, димоғу фироқига ўлайми!* «Ёшлик».

ДИН [*а.* دين – эътиқод, ишонч] Илоҳий кучга, Худога ишонишга асосланган дунёқараш, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи. *Ислом дини. Христиан дини. Будда дини. Дини бошқанинг феъли бошқа.* Мақол. ▬ *Ислом дини кишиларни тўғри йўлга бошлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Жаноби олий учун, дин учун, шариат учун жонимиз-молимиз фидо, – деди белига қилич осиб, кифтига*

бешотар милтиқ кўтарган бир йигит. С. Айний, Қуллар. *Имонига, динига мустаҳкам покиза одам бор жойда ажина юз чақирим нарига қочармиш.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Диндан чиқмоқ (*ёки* **қайтмоқ)** 1) динга ишонмай, унга амал қилмай қўймоқ; даҳрий бўлмоқ. *Диндан чиқсанг, чиқ, элдан чиқма.* Мақол. *Яхши гап билан илон индан чиқади, ёмон гап билан мусулмон диндан чиқади.* Мақол. ▬ *Майли, диндан қайтганни яна дин йўлига солиш — савоб иш.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 2) ўз динини бошқа динга алмаштирмоқ. *Христиан динидан чиқиб, Исломни қабул қилмоқ.*

ДИНАМИК 1 Динамикага оид (*қ.* **динамика 1**); ҳаракат ва куч таъсири билан боғланган. *Динамик куч.* ▬ *Организм тўқималарининг ҳамма компонентлари динамик ҳолатда бўлади.* «Фан ва турмуш». *Динамик босим суюқлик оқимининг тезлиги туфайли вужудга келади.* «Физика» дарслиги. *Ёзувчи яратган кўпгина образлар ҳаётнинг ўзидаги каби динамик ҳаракатда бўлади.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *кўчма* Ҳаракатга, воқеа-ҳодисаларга бой; жўшқин. *Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» асарида Анварнинг динамик образини яратган.* ,

ДИНАМИК Электр тебранишларини товуш тебранишларига (товушга) айлантириб берадиган асбоб.

ДИНАМИКА [*юн.* dynamikos — кучга оид; кучли] **1** *физ.* Механиканинг жисмлар механик ҳаракатини уларга таъсир қиладиган кучлар билан боғлаб ўрганадиган бўлими.

2 Ҳаракат ҳолати; ўсиш, ривожланиш; воқеа, ҳодисадаги жўшқинлик. *Меҳнат унумдорлиги динамикаси.* ▬ *Абдулланинг ўз йўли, ўз оҳанги, ўзи яратган шеърий динамикаси бор.* М. Қўшжонов, Ижод сабоқлари.

3 *мус.* Муайян асарнинг нота ёзувида ва бевосита уни ижро этишда товушлар садоланиши кучининг (баланд-пастлигининг) ўзгарувчанлиги.

4 Шу ўзгарувчанликни ифодаловчи белгилар мажмуи.

ДИНАМИТ [*юн.* dynamis — куч] Ҳарбий соҳа ва тоғ ишларида қўлланадиган, асосий таркибий қисми нитроглицерин ва суюқ нитроэфирлардан иборат бўлган кучли портловчи модда. *Тўхтасин полвон тик.. қоялар, тепалар тагидан ўйиб кириб, унинг остига динамит қўйиб портлатиб, дарё устига ағдарар экан.* Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар. *Йигитали, худди портлатгичига ўт яқинлашиб келаётган динамит ёнида ўтиргандек, юрагини ҳовучлаб гапира бошлади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ДИНАМИТЧИ Динамит ёрдамида портлатиш ишлари билан шуғулланувчи ишчи.

ДИНАМОМАШИНА Ўзгармас ток генераторининг эскирган номи, электр генератори.

ДИНАМОМЕТР [*юн.* dynamis — куч + metreo — ўлчайман] Куч ўлчайдиган асбоб. *Тиббиётда динамометр мушакларнинг энг юқори кучини ўлчашда ишлатилади.* «ЎзМЭ».

ДИНАСТИЯ [*юн.* dynasteia — сулола] *айн.* **сулола 1**. *Романовлар династияси.* ▬ *Навоий ахоманийлар династиясининг сўнгги вакили Доро* III *ни ўта золимликда айблайди.* «ЎТА».

ДИНГ: **қулоғи динг** Бирор шарпа, товуш ёки гапни эшитиб ҳушёр тортадиган, бирор нарса пайидан бўлиб турган киши ёки ҳайвоннинг ҳолати ҳақида. *Ҳажвчининг қулоғи динг, кўзи рентген бўлиши керак.* «Муштум». *Бўри галаси қулоқларини динг қилиб, атрофга аланглайди.* «Шарқ юлдузи». *Яхшибоев қулоқларини динг қилди.* М.М.Дўст, Лолазор.

ДИНГИЛЛАМОҚ *с.т.* Иккала орқа оёқни кўтариб ирғишламоқ ёки жадал юра бошламоқ; дирингламоқ. *Той дингиллади. Бузоқ дингиллаб чопди.* ▬ [*Абу*] *Тойчаларга ўхшаб, дингиллаб чопадиган ҳам бўлди.* Мирмуҳсин, Она. *Авазхон.. дингиллаб келаётган Оқтойни таниди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *-Сизни ҳам уринтирмай, ўзим шундай паловтўра ясайки, ўликлар еса — тириладиган, тириклар еса дингиллайдиган бўлсин, — деди Асад.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Узоқдан Қўзибой, қўлтиғида папкаси, Оқтойни дингиллатганча келаётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Эшакларини дингиллатиб, атроф қишлоқлардан янги чопон кийган деҳқонлар келишмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ДИНГИРЛАМОҚ *айн.* **дингилламоқ.** *Ўзимда йўқ дингирлаб кетаётиб, йўлда ҳамма ҳужжатларимни тушириб қўйибман.* «Ёшлик».

ДИНДОР [*а.* + *ф.* دیندار — динга эътиқод қилувчи, художўй] Динга амал қилувчи, худога, динга ишонувчи; художўй. *Мулла*

Обид ҳар қанча диндор бўлса ҳам, Хатиб домланинг ғаразсиз бир киши эканлигига унча ишонмайди. А. Қодирий, Обид кетмон. *Султон Али Мирзо Хўжа Яҳёга қарши кескин чора кўролмайди, чунки бутун диндорлар Хўжанинг томонида.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ДИНДОРЛИК Динга амал қилишлик, динга тобелик; художўйлик.

ДИНДОШ Бир динга мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан). *[Салоҳиддин:] Қаердаки мусулмон дунёсига дуч келсам, одамлар беш вақт намозларида дуога қўл очиб, сиз, туркистонлик диндошларига нажот тилаганини кўрдим.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ДИНИЙ Динга оид, динга алоқадор бўлган, динга, руҳониятга тегишли. *Диний ақидалар. Диний эътиқод. Диний таълимот. Диний адабиёт.* ▬ *Онам диний, дунёвий китобларни ўқиган, саводли, ниҳоятда сабрли, одамларга меҳрибон аёл бўлган.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *У [Тўрахон] ўз эътиқоди билан диний одам бўлиб, намозини ҳам канда қилмасди, рўзани ҳам.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Элмурод оқсоқол билан эшон ўртасидаги диний мунозарага аралашишни лозим кўрмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДИНИЯ [*а.*]: **дlittleиния назорати** *эск.* Диний назорат. *Мен бу гапни [мозор бузилишини] эшитиб, Тошкентга бордим. Диния назорати ҳам рухсат этди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Мадрасаи диния** Мусулмон шарқида олий диний ўқув юрти.

ДИНКАЙМОҚ *айн.* **диккаймоқ.** *Лакиснинг бирдан қулоғи динкайди.* «Шарқ юлдузи».

ДИНОЗАВР [*лот.* deinos — даҳшатли; қўрқинчли + sauros — калтакесак] *зоол.* Мезозой даврида яшаган, насли қирилиб кетган, узунлиги 20 метр ва ундан ортиқ бўлган судралиб юрувчи ҳайвон. *Динозаврнинг деярли барчаси тухумдан кўпайган, уларнинг аксари иссиқ қонлиларга оид эди.* «Фан ва турмуш».

ДИНОР [*а.* دينار — тилла пул] **1** Қадимда мусулмон мамлакатларнинг олтин тангаси. Ҳозирда Ливия, Тунис, Ироқ, Иордания, Жазоир, Судан, Кувайт каби мамлакатларда амал қилувчи пул бирлиги. *-Менга ҳозирча эллик минг динор пул керак бўлиб қолди, — деди эътирозга йўл қўймайдиган оҳангда.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Тилла, олтин. *Гадога салом берма, динор бер.* Мақол.

ДИНСИЗ 1 Шаръий талаб ва қоидаларга амал қилмовчи, динга, худога ишонмовчи; даҳрий. *Динсизга мусулмонлар орасида ўрин йўқ.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Диндан қайтган; кофир, шаккок. *Бу динсиз ғойибдан хабар беришни даъво қилиб, ўзини худога шерик қилибди-да!* С. Айний, Эсдаликлар.

ДИНЧИ *айн.* **диндор**. *Динчи одам.* ▬ *Динчига чиқарманг сиз яна мени, Эътиқод қўйганман кўзимга кўпдан.* Н. Нарзуллаев, Сайланма.

ДИНҒ *тақл.с.* Торни чертганда чиқадиган товуш ҳақида. *Дутор динғ этди.* ▬ *Дуторим динғ-динғ этади, Ичида моши бормикин!* “Қўшиқлар”.

ДИНҒИЛЛАМОҚ *с.т.* Динғирламоқ. *Дўмбирани чалганимда, ундан динғиллаб оққан овоз гўё юрагимдан чирқираб чиққан куй сингари сезилди.* Газетадан. *Каримжон оқсоқол чойхонанинг бир бурчагида дуторни динғиллатиб ўтирар эди.* Газетадан.

ДИНҒИР *тақл.с.* “Динғ” тарзида эшитилган узлуксиз овоз ҳақида.

ДИНҒИР-ДИНҒИР Динғир с. такр. *Динғир-динғир қилмоқ. Дуторнинг динғир-динғири эшитилмоқда эди.*

ДИНҒИРЛАМОҚ “Динғ-динғ” тарзида овоз чиқармоқ. *Қаердандир дуторнинг динғирлаган овози келяпти.* ▬ *-Мана, шамол ҳам ғивиллаб қолди, — деди чойхоначи челакни бармоқлари билан динғирлатиб.* Ойбек, О.в.шабадалар.

ДИОД [ди.. + (электр)од] Икки электродли электрон лампа.

ДИОРАМА [диа.. + *юн.* horama — кўриниш, манзара] Тасвир махсус ёритиладиган материалга чизиладиган тасвирий санъат тури. *Йирик диорамалар махсус биноларга ўрнатилади.* «ЎзМЭ».

ДИПЛОМ [*фр.* diplome < *юн.* diploma — икки букланган варақ, ҳужжат] **1** Бирор ўқув масканини битирганлик ёки бирор илмий унвон, илмий даража берилганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат. *Имтиёзли диплом. Техника фанлари номзоди диплом. Диплом олмоқ.* ▬ *Элмурод институтни имтиёзли диплом билан тамомлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Университет, институт ва ш. к. ни битириш олдидан, шундай ҳужжат олиш мақсадида ёзиладиган иш, тадқиқот ёки лойиҳа.

Диплом иши. Диплом (иши) ёзмоқ. Дипломни ҳимоя қилмоқ. ▬ *Малоҳат диплом ёзар, имтиҳонларга тайёрланар, шунинг учун тун билан куннинг фарқи қолмаган эди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Бу янги уй лойиҳаси Малоҳатнинг иштирокида туғилган, бинобарин, Малоҳатнинг диплом иши эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

3 Бирор ҳуқуқ ёки мукофот берилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома. *Беруний мукофоти лауреати дипломи. Қишлоқ хўжалик кўргазмасининг дипломи. Боксдан жаҳон чемпиони дипломи.* ▬ *Айрим журналистлар, фотомухбирлар ва табиат ҳаваскорлари пул мукофотлари ва дипломлар билан тақдирланди.* Газетадан.

ДИПЛОМАНТ 1 Олий ёки махсус ўрта ўқув юртини битириш дипломи устида ишлаётган (диплом иши ёзаётган) талаба. *Тошкент давлат иқтисодиёт университети дипломанти Ш. Расуловнинг.. диплом иши юксак баҳо олди.* «Фан ва турмуш».

2 Мусобақа, танловда ютиб чиқиб, диплом билан мукофотланган киши. *Конкурс дипломанти.*

ДИПЛОМАТ I [*фр.* diplomate < *юн.* diploma – икки букланган варақ, ҳужжат] **1** Чет мамлакатлар билан расмий алоқа қилиш ёки музокаралар олиб бориш учун махсус тайёргарлик кўрган ва шундай ишлар учун ўз ҳукумати томонидан вакил қилиб тайин этилган лавозимли киши. *Ўзбекистон дипломати. Дипломат бўлиб ишламоқ.* ▬ *1829 йил январда Эрон пойтахти Теҳронда рус дипломатига суиқасд қилинади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Хитой дипломатининг фикрича, «Шанхай бешлиги»нинг келажаги порлоқ.* Газетадан.

2 *с.т.* Иш, гап, муомалада уста, моҳир киши. *Жуда дипломат бўлиб кетибсиз-ку.* ▬ *..Соҳибқирон жуда моҳир дипломат бўлган.* «Фан ва турмуш». *Савдо ходими – турли хил одамлар билан муомала қила оладиган, илмли ва дипломат одам.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ДИПЛОМАТ II Кичик чемодан шаклида ишланган, қулфланадиган портфель. *Дипломатидан бир варақ қоғоз олди-да, тўғри бошлиғи Рустам Раҳмоновичнинг олдига кирди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Олдинда серсавлат Мойлихўжа ака, ортида жигарранг дипломат ва семиз қоғоз папка кўтарган Ғойибжон пилдираб келар эди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ДИПЛОМАТИК 1 Давлатнинг чет мамлакатлар билан бўладиган расмий муносабатлари ва дипломатияга оид. *Дипломатик акт. Дипломатик алоқа. Дипломатик муносабат.* ▬ *Ўзаро тенг манфаатли дипломатик алоқалар ўрнатиш зарур ва шарт.* Газетадан. *Томонлар учрашув вақтини дипломатик каналлар орқали аниқлаб, келишиб олдилар.* Газетадан. *Акрамжон гўё дипломатик қабул маросимига ясангандай қора костюм, оқ нейлон кўйлак кийиб, қора галстук тақиб олган.. эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 Дипломатларга, яъни элчиларга оид. *Дипломатик ваколат. Дипломатик иммунитет.*

Дипломатик корпус Бирор мамлакат ҳукумати ҳузуридаги чет эл дипломатлари. *Трибуналарда дипломатик корпус аъзолари турибдилар.* Газетадан.

3 *кўчма* Чуқур ва нозик ўйлаб, эҳтиётлик билан айтилган ёки қилинган. *Дипломатик жавоб.* ▬ *Шундай бўлса ҳам.. дипломатик равишда, хотини ва қизи орқали очиқдан-очиқ Саидийга билдирар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ДИПЛОМАТИКА [*фр.* diplomatique < *юн.* diploma – икки букланган қоғоз варағи] Тарих фанининг расмий ва шахсий юридик ҳужжатларнинг шакл ва мазмунини ўрганувчи ёрдамчи тармоғи.

ДИПЛОМАТИЯ [*фр.* diplomatie <*юн.* diploma – икки букланган қоғоз варағи] **1** Давлатнинг ташқи халқаро сиёсатни амалга ошириш, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолияти. *Ўрта аср ўзбек дипломатиясининг йирик намояндаларидан бири Абдураззоқ Самарқандий.. атоқли тарихчи олим ҳамдир.* Газетадан. *Кафиллик берсам, бермасам, дипломатия ишларидан хабардор бошқа одамимиз йўқ.* Т. Малик, Қалдирғоч.

Халқ дипломатияси Айрим шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва ш. к. нинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган норасмий фаолияти.

2 *с.т.* Бирор мақсадга эришиш йўлида усталик билан олиб борилган муомала. *Дипломатияни жуда боплайсиз-да. Ҳе, яшанг, дипломатиянгизга қойилман.*

ДИПЛОМФУРУШ Ҳақиқий ёки қалбаки дипломларни яширин равишда сотиш

билан шуғулланувчи кимса. *Маълум бўлишича, бу икки бетайин шахс дипломфуруш.. экан.* Газетадан.

ДИР *тақл. с.* Силкиниб қалтираш, титраш туфайли ҳосил бўладиган товушга тақлид. *Дутор қуруққина йиғламасди, балки бутун коинотни "зир" эттириб ва хаста юракларни "дир" силкитиб йиғлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қиз дир титраб, бир лаҳза қотиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДИРАМ [*ф.* درم < *а.* درهم < *юн.* drachme – кумуш пул; оғирлик ўлчов бирлиги] **1** *тар.* Бухоро хонлиги, Эрон ва Ироқда 3,2 г. кумуш тангага тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

2 *тар.* Бухоро хонлигида, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Туркияда пул бирлиги.

3 *эск.* Умуман танга, пул. *Толедан карам тила-ю, гадодан дирам тилама.* Мақол. ▬ *Уруш чиқмаса, ҳолим хароб, ёнимда бир дирам ҳам қолмади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ДИРГИЗЛАМОҚ *шв.* Совуқда титраб-қақшамоқ; тиши тишига тегмай қалтирамоқ. *Ҳар замонда совуқда диргизлаб, тўрт-бешта какликни қафасда ушлаб турган болалар кўриниб қолади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Ўшанда қаҳратон қиш эди. Онаси Маърифатни бағрига босиб, оппоқ тонг отгунча изғиринда диргизлаб, бошпана қидирган.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Ёқишга ўтин-кўмир йўқ. Чолнинг жиғибийрон бўлаётгани ҳам шундан. Болалар диргизлаб юрибди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДИРДИККА *фольк.* От устига солинадиган безакли ёпқич. *Отга солди дирдикка, Қойил бўлинг эрликка.* «Хушкелди».

ДИР-ДИР: дир-дир титрамоқ (*ёки* **қалтирамоқ**) Совуқдан, қўрқинч ёки ҳаяжондан қаттиқ титрамоқ. *Севаргул дир-дир титраб, унсиз йиғламоқда эди.* «Ёшлик». *Қосимнинг тили калимага келмади. Дир-дир титради.* С. Аҳмад, Сайланма. *Кампир дир-дир қалтираб, эшикни очди-да, чироқни тўғри қилди.* Ҳ. Олимжон.

ДИРДОВ Озғин, қирчанғи (асосан уй ҳайвонлари ҳақида). *Дирдов от. Дирдов қўй.* ▬ *Ичкари томонда эса дирдов сигир, қаровсиз техника кўриниб турарди.* «Муштум». *-Қарабсизки, бир отар қўйнинг ярми семиз бўлса, ярми дирдов, – деди ота.* Газетадан.

ДИРЕКТИВ Расмий йўл-йўриқ кўрсатиб берадиган, дастур бўлиб хизмат қиладиган, дастурий. *Директив режа. Директив хат.*

ДИРЕКТИВА [*фр.* directive < *лот.* dirigere – йўлламоқ, йўналтирмоқ] Юқори раҳбар органлар томонидан берилган ва бажарилиши мажбурий саналган расмий йўл-йўриқ, дастур, кўрсатма. *Директива олмоқ.*

ДИРЕКТОР [*лот.* director < dirigere – йўналтирмоқ, йўл кўрсатмоқ] Корхона, муассаса ёки ўқув даргоҳининг раҳбари; мудир. *Завод директори. Мактаб директори. Бош директор.* ▬ *Мен пахта заводининг директори билан гаплашган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мактабимиз директори Сафо Авезов қурилиш бўлаётган ерда парвона.* «Муштум». *Магазин директорининг оғзини мойлашга ҳаракат қилганига ҳеч ҳайрон қолмайман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Директорлар кенгаши Йирик корхоналар, акциядорлик жамиятларининг сайланадиган раҳбар ижроия органи.

ДИРЕКТОРЛИК Директор мавқеида бўлишлик, директор вазифасини бажаришлик. *Директорлик вазифаси. Директорлик қилмоқ.* ▬ *Онасининг топиш-тутиши бир-икки эркакникидан қолишмас, модалар ательесида директорлик қиларди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ДИРЕКЦИЯ [*лот.* directio – йўналтириш, йўл кўрсатиш] **1** Корхона, муассаса, ўқув даргоҳларининг директор бошчилигидаги раҳбарлик аппарати. *Дирекция таркиби. Дирекциянинг қарори. Дирекциянинг топшириғи.*

2 Шу аппарат ўрнашган хона, бино. *Дирекцияга кирмоқ. Дирекцияга чақирилмоқ.*

ДИРИЖАБЛЬ [*фр.* dirigeable – бошқариладиган] Ичига тўлдирилган газ кучи билан ҳавога кўтарилувчи, мотор билан юргизиладиган, ҳаводан енгил учиш аппарати. *Сўнгги пайтда енгил учиш аппаратлари – аэростат ва дирижабллар яна катта эътибор қозоняпти.* Газетадан.

ДИРИЖЁР [*фр.* diriger – бошқариш, йўлга солиш] Оркестр ёки хорни, опера ёки балет саҳналарида эса оркестрни, хорни ва барча ижрочиларни бошқариб борувчи, мусиқий асар ижросининг уйғунлигини таъминловчи шахс. *Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрининг дирижёри.* ▬ *Дирижёр тескари қараб, ҳадеб таёқчасини ўйнатарди.* С. Аҳмад, Музикали воқеа.

ДИРИЛЛАМА *айн.* **диркиллама.** *Дириллама, момақаймоқ, чайнамай шимадиган дўндиқча экан.* К. Яшин, Ҳамза.

ДИРИЛЛАМОҚ 1 Титраш, тебраниш натижасида дир-дир овоз чиқармоқ. *Салют зарбидан деразаларнинг ойнаси дириллаб кетди.* ▬ *Самолёт енгил дириллаб, моторлари бетиним ғўнғиллади.* «Ёшлик». *Назаров столга бир мушт туширди. Пиёла дириллаб кетди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Паровоз гудоги эшитилди. Унинг узундан-узоқ чўзиқ қичқириши вокзални дириллатиб юборди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Силкинмоқ, тебранмоқ, зирилламоқ. *Бадани дириллайди. Юрагим дириллаб кетди.* ▬ *Дарё шамолидан сесканган отнинг бадани дириллаб кетди.* С. Аҳмад, Иқбол. *Агар келсам шу ерга, жиғиллайди юрагим, Ёрим эсга тушганда, дириллайди юрагим.* «Муштум».

ДИРИНГ-ДИРИНГ *тасв. с.*: **диринг-диринг сакрамоқ (***ёки* **ўйнамоқ)** *айн.* **дирингламоқ.** *Қуйилиб турган шароб, тамтамларнинг қора қошлари.. меҳмонларни диринг-диринг ўйната бошлади.* Ғ. Ғулом, Қон ҳиди келади. *Пошшахоннинг келишларини эшитиб.. бизнинг юрагимиз диринг-диринг ўйнади.* Ҳамза, Асарлар.

ДИРИНГЛАМОҚ Дик-дик сакрамоқ. дикангламоқ, ирғишламоқ, ўйноқламоқ. *Отам бир йил эшак сотиб олди.. уни ҳар ким минолмас эди, минган одамни диринглаб, устидан отиб ташларди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДИРК *тасв. с.* Силкиниб, тебраниб турувчи нарса, сапчиб қилинган ҳаракат ҳақида. *Ҳусан кийикни ушламоқчи бўлиб қўл чўза бошлаган эди, кийик дирк этиб, ёнига ирғиди.* Ё. Шукуров, Кутилмаган воқеа. *Тарлон дирк-дирк ўйнади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ДИРКИЛЛАМА 1 Роса етилган, тўлишган, бўлиқ; таранг. *У яшил барглар орасидан мўралаб турган дўланадай диркиллама қўшалоқ кўсакни кўриб, кўзлари чақнаб кетди.* «Шарқ юлдузи».

2 Диркиллаб турадиган; бўлиқ гавдали, лорсиллаган. *Диркиллама бадан.* ▬ *У чоқлар Гулшодхоним чилвир соч, оқ шоҳидек силлиқ, тоғ эчкисидай диркиллама эди.* У Исмоилов, Сайланма.

ДИРКИЛЛАМОҚ 1 "Дирк-дирк" ҳаракат қилмоқ, лорсиллаб турмоқ. *Кўкраклар оёқларнинг оҳангдош учишига мос диркиллайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бутун гавдаси силкинади, кўкси диркиллайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ичкари хонадан югуриб чиққан ярим яланғоч раққоса буралиб, аъзойи баданини диркиллатиб, ўйинга туша кетди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

2 *айн.* **дикилламоқ 1.** *Шу пайт кўча эшиги зарб билан очилиб, диркиллаб беш-олти қўзи кирди.* «Ёшлик». *Бедовимни диркиллатиб.. Ҳар кўчганда тўплар отиб, Элима кеткали келдим.* «Гўрўғли».

3 *кўчма* Нарсанинг янгилиги, бўлиқлигини ифодалайди. *Ликопчаларда бутунича қўйилган диркиллаган бодринг, олма шаклидаги қип-қизил помидор иштаҳани қитиқлайди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар. *Сапсариқ олтиндек товланиб турган палов диркиллаб турарди.* Ж. Мусажонов, Ҳиммат.

ДИР(Р) 1 *тақл. ва тасв. с.* Тебраниш натижасида ҳосил бўладиган ана шундай ҳаракат ва товуш ҳақида. *Учиб ўтган самолёт зарбидан деразалар дир этиб кетди.*

2 Отни тўхтатиш учун ишлатиладиган ундов сўз.

ДИРИНГЛАМОҚ *айн.* **дикилламоқ.** *Муллажиринг жиринглamaса, одам диринглamaс.* Мақол. ▬ *Отлар эгарнинг тагида диринглар ва биз борган сари илгаридаги суворийга яқинлаша бордик.* Ҳ. Олимжон.

ДИРҲАМ [*а.* درهم < *юн.* drachme – кумуш пул ва оғирлик ўлчов бирлиги] **1** *айн.* **дирам 2**. *Дирҳам VII асрдан XIV асргача Осиёдаги мусулмон мамлакатларда муомалада бўлган.* «Фан ва турмуш».

2 Бирлашган Араб Амирликлари ва Марокаш Подшоҳлигида пул бирлиги.

3 Миср ва Суданда қимматбаҳо металларнинг 3,12 граммга тенг ўлчов бирлиги.

ДИСГАРМОНИЯ [*лот.* dis, *юн.* dys – ажратиш, инкорни ифодаловчи олд қўшимча + *юн.* harmonia – уйғунлик, оҳангдошлик**] 1** *мус.* Гармониянинг, оҳангдошликнинг мавжуд эмаслиги ёки бузилиши; ҳамоҳангликнинг йўқлиги.

2 Келишмовчилик, ноиттифоқлик; номувофиқлик.

ДИСК, диска [*юн.* diskos – ясси доира, айлана] **1** Машина, механизм ва ш. к. нинг доира (айлана) шаклидаги қисми. *Пахта териш машинасининг диски. Борона диски.* ▬ *-Дисканинг ранги машинанинг рангида бўлади, – деди Абдураҳмонов.* И. Қаландаров, Шохидамас баргида. *Малоҳат дискадан темир йўлга отилиб тушди.* «Шарқ юлдузи».

2 *спрт.* Енгил атлетикада қўл билан узоққа отиладиган ялпоқ металл асбоб. *Узоқ вақт стадион гавжум бўлади. Бири штанга кўтаради, иккинчиси диска улоқтиради.* Газетадан.

3 *ҳарб.* Пулемёт, автомат, милтиқ ва ш. к. нинг патрон жойлашадиган, айлана шаклдаги ўқдони. *-Дискда ўқ тўла эди. Майли, пайти келганда, биронтасини ҳам бекор кетказмаймиз, — деди майор.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Умуман, айлана (тўгарак) шаклдаги нарса. *Қуёш дискаси.* ▬ *Қуёш диски марказининг юқори кульминация пайти ҳақиқий туш вақти дейилади.* «Астрономия». *Директор шундай деди-ю, телефон дискасини айлантира бошлади.* «Муштум».

ДИСКАЛАМОҚ *қ.х.* Дискали бороналар билан кесакларни майдалаб текисламоқ. *Эски бедапоялар эрта баҳорда бороналанади ва дискаланади.* Газетадан. *Экиш олдидан ерлар 8-10 сантиметр чуқурликда дискаланади ва борона қилинади.* Газетадан.

ДИСКАЛИ Диска ўрнатилган механизм, техника. *Дискали мола. Дискали борона.*

ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ [*лот.* dis — ажратиш, инкорни билдирувчи олд қўшимча + qualificatio — қандай (сифатли)лигини белгилаш] *спрт.* **1** Мусобақа қоидаларини техник жиҳатдан бузганлиги учун спортчи (ёки жамоа)ни эришган натижалардан маҳрум қилиш.

2 Ахлоқий меъёрларни бузганлиги ёки муайян талабларга мос келмаслиги туфайли спортчини мусобақаларда қатнашишдан умуман ёки вақтинча четлатиш.

ДИСКЕТА [*ингл.* diskette — кичик диск] *тех.* Компьютернинг ташқи маълумотлар сақланадиган, алмашинувчи ясси қурилмаси; эгилувчан магнит дискли кассета.

ДИСКОВОД [*р.* «диск киритгич»] Компьютернинг дискдаги маълумотларни компьютерга кўчириб олиш ёки компьютердаги маълумотларни дискка кўчириб олиш учун мўлжалланган мосламаси.

ДИСКОНТ [*ингл.* discount — чегирма; фарқ] *иқт. мл.* **1** Қимматли қоғозлар, қоғоз ёки танга пуллар ва ш. к. нинг фонд биржасида айни пайтда сотилаётган нархи билан белгиланган нархи ёки уларни қайтариб сотиб олишдаги нархи ўртасидаги фарқи.

2 Товарни турли муддатларда етказиб бериш билан боғлиқ нархлари ўртасидаги фарқ.

3 Товарнинг сифати меъёр ёки шартнома талаби даражасида бўлмаслиги оқибатида товар нархининг пасайиши.

4 Банк ёки айрим шахс томонидан векселни унинг амал қилиш муддатигача ўтган даврдаги фоизларини чегирган ҳолда ҳисобга олиб бориш.

5 Векселни қайта сотиб олишда банк ундирадиган фоиз.

ДИСКОТЕКА [диск + *юн.* theke — омбор, жой] **1** Компакт дисклар, грампластинкалар мажмуи; улар сақланадиган жой.

2 Ёшларнинг мусиқа тинглаш ва рақс тушиш учун мўлжалланган кўнгилочар масканн; мусиқа клуби.

ДИСКРИМИНАЦИЯ [*лот.* discriminatio — ажратиш; фарқлаш] Халқаро ва миллий муносабатларда бирор давлатнинг, юридик ёки жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва имтиёзларини бошқаларга нисбатан чеклаш, камситиш.

ДИСКУССИОН *эск.* Мунозара, муҳокама қилинадиган; мунозарали, тортишувли. *Дискуссион масала.* ▬ *Журнал ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигининг муҳим масалаларига бағишланган дискуссион мақолаларни эълон қилади.* «ЎТА».

ДИСКУССИЯ [*лот.* discussio — муҳокама қилиш, тадқиқ этиш] Бирор масалани тўғри ҳал қилиш учун матбуотда ёки илмий йиғинларда ўтказиладиган эркин, оммавий муҳокама; мунозара. *Ўзбек имлоси масалаларига бағишланган дискуссия. Илмий дискуссия.* ▬ *Дискуссия қатнашчилари жуда кўп қимматли фикрлар айтиб ўтдилар.* «ЎТА».

ДИСЛОКАЦИЯ [*лот.* dislocation — жойлаштириш; силжиш; суяк чиқиши] **1** *ҳарб.* Ҳарбий қисмларнинг мамлакат бўйлаб белгиланган жойларга ўрнаштирилиши, ҳарбий-ҳаво кучларининг тегишли аэродромларга, ҳарбий-денгиз флоти кемаларининг портларга тақсимлаб жойлаштирилиши. *Погодин.. машинадан тушиши биланоқ, янги дислокация ҳақида дивизияларга хабар юборди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Шу кеча душман полки дислокация қилинаётгани ҳақида радиограмма қўлга туширилди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *геол.* Ер қобиғидаги турли ўзгарувчан жараёнлар натижасида тоғ жинслари дастлабки жойланишининг бузилиши, ўзгариши.

3 *тиб.* Синиш ёки чиқиш пайтида суякнинг жойидан силжиши.

ДИСПАНСЕР [*фр.* dispensaire < dispener – тақсимламоқ] Айрим гуруҳ касал(лик)ларни аниқлаш, даволаш, уларнинг олдини олиш, тарқалиши ва авж олишига йўл қўймаслик мақсадида доимий кузатиш олиб борувчи махсус тиббий-профилактик муассаса. *Тери ва таносил касалликлари диспансери. Онкологик диспансер.* ▬ *Диспансер райондан икки чақиримча қуйида – Иброҳимовнинг эски машҳур боғида жойлашган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДИСПЕПСИЯ [*юн.* dyspepsia – ёмон ҳазм бўлиш] *тиб.* Кўпинча болаларда учрайдиган овқат ҳазм қилиш аъзолари касаллиги; меъда-ичак фаолиятининг бузилиши. *Токсик диспепсия бола ҳаёти учун жуда хавфли, бунда зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш керак.* «ЎзМЭ».

ДИСПЕТЧЕР [*ингл.* dispatch – тез бажараман] *махс.* **1** Транспорт воситалари ҳаракатини ёки корхонадаги иш жараёнини хабар бериш қурилмалари ва алоқа воситалари: телефон, радиотелефон, сигнализация, факс ва телевизион ускуналар, компьютер ва ш. к. орқали битта марказдан, бир жойдан туриб назорат қилувчи ва бошқариб турувчи ходим. *Темир йўл диспетчери. Диспетчер бўлиб ишламоқ.* ▬ *Операторга ҳам, диспетчерга ҳам, станция навбатчисига ҳам тиним йўқ.* Газетадан. *Шу пайт радиодан диспетчернинг овози янгради.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 *кўчма* Ташкилотчи, уюштирувчи, олдинга бошловчи. *Футбол майдонида жамоа сардори диспетчер ролини ўйнайди.* Газетадан.

ДИСПЕТЧЕРЛИК Диспетчер хизмати ва машғулоти. *Барча нефть қудуқлари битта диспетчерлик пультидан бошқарилмоқда.* "Ўзбекистон иқтисодий географияси". *Йўл ҳаракатига раҳбарлик системаси иккита йирик диспетчерлик марказида жойлаштирилган.* Газетадан.

ДИСПЛАЗИЯ [*юн.* dysplasia – (суяк) ўсиши, ривожланишининг бузилиши] *тиб.* Аъзо, тўқима ёки тана қисмларининг эмбрионал ва туғилгандан кейинги даврда нотўғри ривожланиши.

ДИСПЛЕЙ [*ингл.* displey – қайта кўрсатмоқ] Маълумотларнинг ишланиш натижаларини электрон-ҳисоблаш машинасидан олиб, уларни электрон-нурли асбоб экранида матн, жадвал, график тарзида акс эттиришга мўлжалланган мослама. *Харидор пойабзал танлагандан сўнг дисплей клавиатурасидаги тегишли клавишани босади ва буюртма дарҳол компания омборига келиб тушади.* Газетадан.

ДИСПРОЗИЙ [*лот.* Dysprosium < *юн.* dysprositos – топилиши, аниқланиши қийин] Кимёвий элемент, Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб оч кулранг металл.

ДИСПРОПОРЦИЯ [*лот.* disproportio – ўзаро нисбатнинг бузилиши] *эск.* Мутаносибликнинг йўқлиги, бутун нарса қисмларининг бир-бирига тўғри, мос келмаслиги; номутаносиблик. *Режаларни бажариш жараёнида қарама-қаршилик ва айрим диспропорциялар борлиги аниқланди.* Газетадан.

ДИСПУТ [*лот.* disputare – баҳс, мунозара қилмоқ] *эск. кам қўлл.* Бирор бир мавзуда ўтказиладиган оммавий мунозара, тортишув, дискуссия. *Диспутлар, лекциялар факультет бўйича ўтказилади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *..бирмунча ёзувчиларнинг адабий ижодини аниқлаш нуқтаи назаридан диспутлар, адабий-ижодий кечалар ўтказдик.* Н Сафаров, Оловли излар.

ДИССЕРТАНТ [*лот.* dissertans, dissertantis – батафсил қараб чиқувчи, тушунтирувчи] Илмий даража олиш мақсадида ўз илмий иши – диссертациясини махсус илмий кенгаш аъзолари ўртасида ҳимоя этувчи киши. *Диссертантга сўз берилди.* ▬ *Диссертант ўз маърузасида жуда кўп қимматли маълумотлар, тажрибалардан мисоллар келтирди.* Газетадан.

ДИССЕРТАЦИЯ [*лот.* dissertatio – фикр юритиш, тадқиқ қилиш] Илмий даража олиш мақсадида ёзиладиган ва махсус илмий кенгаш мажлисида ҳимоя қилиш учун тақдим этиладиган илмий тадқиқот иши. *Номзодлик диссертацияси. Докторлик диссертацияси.* ▬ *Баҳорга чиқиб, Йигиталининг диссертация ҳимоя қилиш куни белгиланди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Ниҳоят, оғир, машаққатли кунлар орқада қолиб, Латофат кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ёқлаб олди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Докторлик диссертациямни ўз юртимда, ўз она тилимда.. сунъий тўсиқларсиз ҳимоя қилдим.* Газетадан.

ДИССИДЕНТ [*лот.* dissidentis – қаршилик қилувчи, қўшилмайдиган] **1** Бошқача ўйловчи, ҳукмрон тузум, мафкура билан келишмайдиган.

2 1950-80-йилларнинг ўрталарида бир қатор социалистик мамлакатларда мавжуд тузумга қарши бўлганларнинг умумий номи.

ДИССИМИЛЯЦИЯ [*лот.* dissimilatio – ўхшамаслик, ўхшашликнинг йўқолиши] **1** *биол.* Организм фаолияти жараёнида қабул қилинган мураккаб органик моддаларнинг парчаланиб, оддийроқ моддаларга айланиш жараёни.

2 *тлш.* Сўзларни талаффуз этганда, артикуляция ўрни ёки усули жиҳатдан ўхшаш товушлардан бирининг ўзгариши, бошқа ноўхшаш товуш билан алмашинуви.

ДИССОНАНС [*фр.* dissonanse < *лот.* dissonare – ҳар хил оҳанг чиқармоқ; созланмаганлик, уйғун эмаслик] *мус.* **1** Товушлар уйғунсизлиги; ҳамоҳангликнинг йўқлиги ёки бузилиши; *зид.* **консонанс**. *Форобий билан Ибн Сино иккови консонанслар ва диссонанслар тўғрисидаги таълимотини қайта кўриб чиқишган.* «Фан ва турмуш». *Диссонанс – икки ёки ундан ортиқ товуш баравар чалинганда чиққан товушнинг қулоққа кескин ва нотинч эшитилиши.* И. Акбаров, Музика саводи.

2 Ёқимсиз оҳанг, товуш.

ДИССОЦИАЦИЯ [*лот.* dissociatio – бўлиниш, ажралиш] **1** *ким.* Молекулаларнинг таркибий қисмларга ажралиши, парчаланиши.

2 *псхл.* Руҳий (психик) жараёнлардаги боғланишнинг бузилиши.

ДИСТАНЦИОН Маълум масофадан таъсир этадиган, бошқариладиган. *Дистанцион найча. Дистанцион бошқарув. Дистанцион тест синови.*

ДИСТАНЦИЯ [*лот.* distantia – масофа, оралиқ] **1** Умуман нарса-буюмлар, жисмлар ўртасидаги оралиқ; масофа.

2 *ҳарб.* Сафланган аскарлар, қўшинлар орасидаги, шунингдек, ҳарбий техника, жанговар самолёт ва кемалар ўртасидаги масофа, оралиқ. *Колоннадаги машиналар ўртасидаги дистанция 50 метр бўлмоғи керак. Дистанцияни сақлаб юринг!*

3 *спрт.* Югуриш, сакраш каби мусобақаларда ҳаракатнинг бошланғич ва сўнгги нуқталари (старт ва финиш) ўртасидаги, шунингдек, боксчилар ўртасидаги оралиқ.

4 Темир йўлларнинг, шунингдек, оддий сув йўллари (дарёлар)нинг маъмурий-техникавий бўлинмаси (хизмат кўрсатиш шохобчаси).

ДИСТИЛЛАМОҚ Дистиллаш, ҳайдаш йўли билан тозаламоқ, соф суюқлик ҳосил қилмоқ. *Дистилланган сув дори-дармон эритмаларини тайёрлаш учун тиббиётда ҳам ишлатилади.* "Кимё" дарслиги. *Абдумажид шприцни спиртда ҳамда дистилланган сувда тозалаб, бузоққа укол қилди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

ДИСТИЛЛЯТ Дистилляция, ҳайдаш маҳсули (мас., бензин, керосин ва ш. к. лар нефтни ҳайдаш жараёнининг дистиллятларидир).

ДИСТИЛЛЯТОР Суюқликни дистилловчи аппарат. *Махсус аппаратлар, дистилляторлар.. етишмайди.* Газетадан.

ДИСТИЛЛЯЦИЯ [*лот.* destillatio – томчилаб оқиш] *ким. тех.* Суюқликларни, суюқ аралашмаларни буғга айлантириб, соф таркибий қисмларга ажратиш, тозалаш.

ДИСТРО́ФИК Дистрофия билан касалланган киши.

ДИСТРОФИ́К Дистрофияга оид. *Дистрофик ўзгариш.*

ДИСТРОФИЯ [*юн.* dystrophia – озиқланишнинг бузилиши] *тиб.* Бирор аъзо, тўқима ва умуман организмнинг озиқланиш жараёни бузилишидан иборат касаллик. *Жигар дистрофияси. Юрак мушаги дистрофияси.* ▬ *Касаллик вақтида беморнинг жигар ҳужайралари кўплаб емирилса, жигар дистрофияси бошланади.* В. Мажидов, Сариқ касаллиги.

ДИФТЕРИТ *айн.* **дифтерия**.

ДИФТЕРИЯ [*юн.* diphthera – парда, эт] *тиб.* Томоқнинг ва бурун шиллиқ пардаларининг яллиғланиши ва улар устида парда ҳосил бўлиши билан кечадиган, кўпинча болаларда учрайдиган оғир юқумли касаллик; бўғма. *Дифтерия касали. Дифтерия билан оғримоқ.*

ДИФТОНГ [ди.. + *юн.* phthongos – овоз, товуш] *тлш.* Икки унли товушнинг бир бўғинда бирикиб, қоришиб келиши ва шундай бириккан товушлар (мас., немис тилидаги "au" каби). *"Ўзбек тили" китобида сингармонизм, редукция, дифтонг, ассимиляция каби фонетик ҳодисалар анча яхши ёритиб берилган.* «ЎТА».

ДИФФЕРЕНЦИАЛ I [*лот.* differentia – фарқ, тафовут] **1** *мат.* Эркин ўзгарувчан миқдорнинг чексиз кичик ихтиёрий орттирмаси.

2 *тех.* Бир валдан турли тезликда айланадиган икки валга ёки икки валдан бир валга ҳаракат узатадиган, машина ва механизмларнинг турли қисмларига турлича айланиш имконини берадиган тишли ғилдиракли механизм.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ II **1** Ҳар хил шароитда турлича юз берадиган, бир хилда турмайдиган; фарқли, тафовутли. *Дифференциал тариф. Дифференциал рента. Дифференциал ёндашиш.*

2 *мат.* Дифференциалга оид. *Дифференциал геометрия.*

ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ [*лот.* differentia – айирма, фарқ; фарқланиш] Бир бутун нарсанинг турли хил қисмларга, шаклларга, босқичларга ажралиши, бўлиниши, табақаланиши; бутуннинг қисмларини ўзаро фарқлаш, ажратиш, табақалаш.

ДИФФЕРЕНЦИЯЛАМОҚ **1** Бирор нарсани ўрганишда унинг таркибий қисмларини бир-биридан фарқламоқ; шу нарсани табақаларга, таркибий қисмларга ажратмоқ.

2 *мат.* Дифференциални топмоқ, дифференциални ҳисоблаб чиқмоқ (*қ.* **дифференциал** I **1**).

ДИФФУЗ: диффуз товушлар *тлш.* Бир-бирига сингишиб кетган, қоришиқ товушлар.

ДИФФУЗИЯ [*лот.* diffusio – тарқалиш, ёйилиб кетиш] *физ.* Бирор модда (газ, суюқлик) зарраларининг бошқа модда орасига секин-аста ўтиб тарқалиши, кириб бориши. *Газлар диффузияси. Суюқликлар диффузияси.*

ДИХОТОМИЯ [*юн.* diha – икки қисмга + tome – бўлиш; кесилиш] Бутуннинг изчил равишда иккига бўлиниши ва бу бўлаклардан ҳар бирининг иккига ажралиши.

ДИЭЛЕКТРИК [*юн.* dis – орқали, орасидан + *ингл.* electric] *от* Электр токини ўтказмайдиган модда; изолятор.

ДИЭЛЕКТРИК *сфт.* Электр токини ўтказмайдиган. *Диэлектрик моддалар.*

ДИҚҚАТ [*а.* دقّت – аниқлик; синчковлик; нозиклик] **1** Фикр, фикру зикр, фикр-ёд. *Ўзини унутиб, барча диққати ҳужра ичига оққан эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сидиқжон.. болага қараб, у-бу деб турган бўлса ҳам, кўзи ва бутун диққати Шарофатда эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Назар-эътибор, илтифот; синчковлик. *Диний ва миллий руҳнинг тарбиясига алоҳида эътибор ва диққат лозим.* Ойбек, Нур қидириб. *[Кумуш] Сочлари орасидаги чигилларни диққат билан тараб, жом ёнига ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўлқинжон Ҳурининг сўзларини зўр диққат билан тинглади.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Йўлчи ўроққа диққат билан тикилиб қаради ва энкайиб ўра бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Диққатга сазовор (*ёки* **лойиқ**) *ёки* **шоёни диққат** Эътибор этишга арзийдиган, эътиборни ўзига тортадиган. *Диққатга сазовор гап.* ■ *Шаҳрингизнинг диққатга сазовор жойларини кейин кўрамиз.* «Гулдаста». *Хўжаев афандининг фикри-зикри шоёни диққат.* З. Саид, Н. Сафаров. Тарих тилга кирди. **Диққатни жалб қилмоқ** (*ёки* **тортмоқ**) 1) эътиборни, фикрни бир жойга тўпламоқ, йиғмоқ, эътиборни бирор нарсага қаратмоқ. *Маърузачи тингловчиларнинг диққатини шу масалага тортди;* 2) бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратмоқ. *Тебраниб ёнаётган шам зўр мўъжизадай ҳамманинг диққатини жалб қилган эди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Дастлабки кунларда қишлоқ аҳолисининг диққатини жалб қилган янги домла бора-бора назардан тушиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *сфт.* Узлуксиз эътибор талаб этадиган, юракни сиқиб юборадиган, оғир, машаққатли. *Диққат иш.*

4 Зериктирадиган, зерикарли, мароқсиз. *Диққат гап.*

Диққат бўлмоқ *ёки* **диққати ошмоқ** Бўғилмоқ, сиқилмоқ; зерикмоқ. *Шу бугун кечқурун ҳалигидай диққат бўлиб ўтирганида, яна Латофатхон эсига тушиб, бир фикрга келди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Унинг [Раънонинг] диққати ошиб кетган, тиқ этса, эшикка қараб қўймоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Диққат қилмоқ** 1) эътибор бермоқ; илтифот қилмоқ. *Ҳали диққат қилмаган эканман: юзлари сип-силлиқ, худди тошдан ясалганга ўхшайди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати; 2) бўғмоқ, юракни сиқмоқ; зериктирмоқ. *Ҳоким тўрани диққат қилма.* К. Яшин, Ҳамза.

5 *кесим взф.* Бўғилган, юраги сиқилган; хафа. *Ўзи диққат, хуноб, лекин тез-тез хаёлга*

кетарди. Ойбек, Нур қидириб. *Аваз диққат. Хива томонга қарайвериб, кўзи тешилай деди. Отасидан мужда йўқ.* С. Сиёев, Аваз.

ДИҚҚАТБОЗЛИК Диққати жуда ошганлик, юраги ўта сиқилганлик ҳолати; хунобгарчилик. *Кел, бўлар иш бўлди, диққатбозликни қўй.* Уйғун, Асарлар. *Шундай шодиёна кунда диққатбозлик? Сенга ярашмайди, оғайним.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Муқимий.. тариқ ўраётган бир тўда деҳқонларни кўриши билан табиатидаги бир дамли равшанлик ўрнини яна диққатбозлик эгаллаб олди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

ДИҚҚАТЛАНМОҚ Бирор нохуш воқеадан ёки гап-сўздан юраги сиқилиб асабийланмоқ, бўғилмоқ. *Отабек диққатланди: -Қипчоқлар эканини билдим, аммо гуноҳлари нима, деб сиздан сўрайман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДИҚҚАТЛИК Руҳан эзилганлик, юраги сиқилганлик, хафалик. *Мен диққатлигимни иш билан ёзишга ҳаракат қиламан.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ДИҚҚАТПАЗЛИК *айн.* **диққатбозлик, диққатчилик.** *..икки соат бадалидаги диққатпазлиги етмагандек, яна шунча вақт ипсиз боғланиб ўтириши керак.* «Ёшлик».

ДИҚҚАТСИЗ Эътибор бермайдиган, бепарво, эътиборсиз.

ДИҚҚАТСИЗЛИК 1 Эътибор бермаслик, диққат қилмаслик.

2 Ишга бепарво қараш, бепарволик.

ДИҚҚАТЧИЛИК *айн.* **диққатбозлик.** *Ҳасан овчи очлигини ҳам унутган, диққатчилик унинг иштаҳасини бўғиб қўйганди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР Диққат ҳамда эътибор; бутун фикр, ўй-хаёл. *Диққат-эътиборини тортмоқ.* ▬ *..Аммо қизларнинг бутун диққат-эътибори рўпарадаги деворда, дуч келган жойга осиб қўйилган суратларда эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ДИҚҚИНАФАС [*а.* ضيقّ النفس – нафас қисиш; астма] **1** Зерикиш ёки бетоқатликдан нафаснинг сиқилиши; нафаси сиқиладиган.

Диққинафас бўлмоқ *кўчма* Юраги сиқилиб асабийланмоқ; бўғилмоқ; хуноб бўлмоқ, хуноби ошмоқ; зерикмоқ. *Касалдан сўнг диққинафас бўлиб юрган Ҳафиза эрта билан одатдагидек ўқишга борди.* Мирмуҳсин, Умид. *Лаъли кенг ҳовлида диққинафас бўлиб, ёлғиз ўтирибди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Қиши билан тор уйларда диққинафас бўлган кишиларнинг димоғига адирлардан гиёҳларнинг хушбўй нафаси келиб урилди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Нафасни сиқадиган даражада оғир, бўғиқ; зерикарли. *Эртага у диққинафас, рутубатли Ҳиротдан чиқиб кетади, шу йўсин билан бир йўла бу беадад ғаму ғуссадан ҳам қутулади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Юргил, далаларга кетайлик, дўстим, Диққинафас уйда ётмоқ пайтимас.* А. Орипов, Митти юлдуз.

3 *кўчма* Босилиб, бўғилиб, сиқилиб ётган. *Қиш бўйи қор остида "диққинафас" бўлган бахмал майсалар бўй чўзиб, қуёшга талпинмоқда.* Ё. Шукуров, Чорчинор остида.

ДИҚҚИНАФАСЛИК Юраги сиқилганлик, руҳан эзилганлик ҳолати. *Бир ерда кўп ўтириб қолиш ҳам одамга диққинафаслик келтиради.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Лекин кўнгил ҳамон хира. Бу кўнгилхиралик диққинафасликка айланди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ДО [*итал.* do] *мус.* Диатоник (ўзгарувчан тонли) товушқаторнинг биринчи поғонаси; асосий етти поғонали товушқаторнинг биринчи товуши. *Музикада еттита асосий товуш бор: до, ре, ми, фа, соль, ля, си.* И. Акбаров, Музика саводи.

ДОБИЛ *тар. эск.* От эгари қошига боғлаб, маҳкамлаб қўйиб, жанг пайти ёки тўйда чалинадиган доирасимон мусиқа асбоби; довул. *Добил-доирани чалади, Кўрганнинг ақлин олади.* «Нурали». *Шодиёна пўлат добил олтин эгарнинг қошида.* «Гулшанбоғ». *Эралихон суюнчига бир телпак, шопча (қилич) ҳамда қашқалдоқнинг терисидан бўлган добил берди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ДОБИЛБОЗ *тар. эск.* Добил; довул чалувчи (қоқувчи). *Добилбоз добилини қоқди, товуши Чамбилга етди.* «Маликаи айёр». *Оқсоқол, жиғадор, амалдор, навкар, добилбоз, қушбеги, қўрғонбеги овга сафар қилишини билдирди.* «Маликаи айёр».

ДОВ I **1** Бўйи баланд, йўғон ва бақувват. *Бир кун, кеч кирай деганда, тугун кўтарган, дов, елкадор йигит билан паранжи ёпинган аёлни эргаштириб кирдилар.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Унинг* [*Муҳаммад Сайиднинг*] *яғринли, қулоч кўкракли, бутун дов жуссасидан қувват барқ урарди.* Ойбек, Навоий.

Меликўзи пиқ этиб кулиб юборди. Кейин ўрнидан туриб, дов қаддини ростлади. Й. Шамшаров, Довруғ.

2 *кўчма* Журъат, ботиниш; дадиллик.

Кўнгли (*ёки* **юраги) дов бермаслик** Ботина олмаслик, журъат қила олмаслик. *Аёлнинг кўзларига қарашга юраги дов бермади.* С. Нуров, Нарвон. *Ҳикмат нотани ёзишга ёзди-ю, Оқилага узатишга юраги дов бермади.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *Лекин йўлни кесиб ўтишга кўнглим дов бермади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДОВ II [*ф.* داو < *а.* دعوى – иддао, талаб] Ўз ҳақ-ҳуқуқини тасдиқлаш ёки қондириш ҳақидаги талаб, даъво, тортишув. *Ёмон йўлдош ёв бўлади. Охир иши дов бўлади.* Мақол. *Ботир ёвда билинар, сўзчи – довда.* Мақол. *Камбағалнинг ови юрмас, ови юрса ҳам, дови юрмас.* Мақол. ▬ *Шаҳзода! Айт, менга қандай довинг бор? -О, сенга довим жуда кўп..* К. Яшин, Ҳамза.

ДОВ III [*ф.* داو – ўйинда ўртадаги пулни кўпайтириш] Қиморда ўртага тикилган пул ёки бошқа қимматли нарса. *-Қиморда мени дов тикмасайди, яна бировга ютқизмасайди, деб қўрқар эдим, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бойвачча, ўз навбатида, ошиқ отишга ботинолмай турган кишиларга кўз югуртириб чиқди, бошқа талабгор бўлмаганлиги учун ёнидан пул чиқариб, телпагининг тагига қўйди-да, "дов" деди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ДОВ IV *фольк.* Уруш, жанжал; курашув, олишув. *Ер товсиз бўлмас, Эл – довсиз.* Мақол. *Ёмон хотин олганнинг дови уйида.* Мақол.

ДОВ-ДАРАК *айн.* **дом-дарак.** *Дўстининг дов-дарагини суриштириш учун Қоратой темирчи елиб-югурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Поччанг ўлсин! Тўрт кундан бери дов-дараги йўқ, ўлдими-қолдими, билмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДОВ-ДАРАХТ *с.т.* Ҳар қандай дарахт, ҳар хил дарахтлар. *Дов-дарахтлар, қизғиш бўёққа чайиб олингандек, ял-ял товлана бошлади.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Дов-дарахтлар оппоқ, худди ғижим рўмол ёпиб олган келинчакдай товланади.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

ДОВ-ДАСКАК *с.т. айн.* **дов-дастгоҳ.** *..кеча шаҳарга тушиб, китоб, дафтар, яна аллақанча дов-даскак олдим.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДОВ-ДАСТАК *с.т. айн.* **дов-дастгоҳ. Дов-дастакни йиғиштирмоқ (***ёки* **кўтармоқ)** *айн.* **дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ** *қ.* **дов-дастгоҳ.** *Сенинг бу чирик дов-дастагинг бутун маҳаллани ерга қаратади.* «Муштум».

ДОВ-ДАСТГОҲ *с.т.* Барча асбоб-анжомлар, дўкон-дастгоҳ. *Уйдаги дов-дастгоҳлар, безаклар мени ҳайратга солди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

Дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ (*ёки* **кўтармоқ)** Бор-йўғини йиғиштириб жўнамоқ. *Ҳамроқул наридан-бери дов-дастгоҳини йиғиштириб жўнади.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. *Киночилар аҳволнинг жиддийлашганини кўриб, дарҳол дов-дастгоҳини йиғиштириб, четга чиқишди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ДОВДИР Телба-тескари иш қиладиган, телбанамо; думбул, анқов; ҳовлиқма. *Наҳотки энди шу арзимас идорачани ҳам эплай олмасанг? Қанақа довдир, ношуд одамсан ўзинг?* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Довдир гап Телба-тескари, бетайин гап. *Унинг [Зайнабнинг] бу довдир гаплари ғалаба қозонмоқчи бўлган Кумушни довдиратди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДОВДИРАМОҚ 1 Бирор нарса, вазият таъсирида тўғри ҳаракат қила олмаслик, ўзини сал йўқотган ҳолда алпон-талпон ҳаракат қилмоқ; гангимоқ. *Ўртанча келин оиладаги янги одатга кўниколмай, кечаси довдираб, ҳовлига чиқади..* С. Аҳмад, Сайланма. *Ёдгор шамолдан гандираклагандай довдираб бораркан, кузда бўлган.. мажлисни эслади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Довдираганимдан стул қолиб, нақ ерга ўтирволаёзибман.* «Ёшлик».

2 Тўғри сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ, телба-тескари, чалкаш-чулкаш гаплар гапирмоқ, валдирамоқ. *Вой довдир, нима деб довдираяпсан ўзинг?* П. Турсун. Ўқитувчи. *Матпано, тушида Хизирга йўлиққан кимсадек довдираб, тили калимага келмай қолди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Ўзини йўқотмоқ, шошиб қолмоқ, саросимага тушиб, гангиб, қўрқиб қолмоқ. *Имом эшикни очаркан, эркакча кийиниб келган аёлни кўриб довдираб қолди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мурод бу гаплардан довдираб қолди. Нима дейишини билмас эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Ногаҳоний зарб еган кишидек довдираб қолишди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ДОВДИРАТМОҚ 1 Довдирамоқ фл.орт.н.

2 Ҳайратга солмоқ. *Мунираниң кутилмаганда лапар айтиши эркакларни довдиратиб қўйди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ДОВДИРЛИК Телба-тескарилик, думбуллик, анқовлик. *Гоҳида бу довдирлик гўлликкача, меровликкача бориб етади.* «Ёшлик». *Бу гап Хўжақуловага малол келди: “Ҳалиям ўша довдирлиги бор экан-да”, — деб қўйди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДОВ-ЖАНЖАЛ Ҳар хил тортишув ва жанжал; низо, келишмовчилик. *Колхоз аҳллари орасида дов-жанжал кўпайди.* «Муштум». *Туркман элининг дов-жанжали кўпайиб кетди.* «Маликаи айёр».

ДОВЛАМОҚ *с.т.* Ҳақ-ҳуқуқ талаб қилмоқ, талашиб олмоқ; дов, даъво қилмоқ. *Кучли билан курашма, молли билан довлашма.* Мақол. ▬ *Назаров ҳузур қилиб керишди: “Эсинг бўлса, келиб мен билан довлашасанми, мияси суюлган чол!”* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Отанг етолмади бу кунларга. Толеингни довлаб бериб, ўлиб кетди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Йўқ, энди мен ҳаётдан ўз тегишимни, ўз чароғон кунларимни довлаб оламан.* А. Мухтор, Асарлар.

ДОВОЛ *шв.* Девор.

ДОВОН I **1** Тоғ ёки тепаликнинг баланд, аммо ошиб ўтса бўладиган қулай жойи; ошув. *Қашқар довони. Арпасиз от довон ошолмас.* Мақол. *Донога эргашган довондан ошар.* Мақол. ▬ *Бу вақт улар Қорақарға деган довондан ошиб, кўз илғамас, кенг, текис яйловга чиқдилар.* А. Мухтор, Асарлар. *Довоннинг белига чиққунча Муҳаммад Шариф ҳам, эшак ҳам ҳолдан тойди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

2 *кўчма* Кейинги иш ва ютуқларга йўл очиб берадиган улкан иш; эришилган ёки эришилажак қийин марра. *Оила қуриш нақадар юксак довон эканини Маҳкам энди биринчи марта.. ҳис қилмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Мавсумнинг дастлабки довони ортда қолди.* Газетадан.

3 *кўчма* Хаёлий, руҳий марра, мақсад, интилиш. *Эй кўнглим, оламдан суюнчи сўра, Довонлар, тоғлардан елдай учиб ўт.* Миртемир, Асарлар. *Тўлқиндай асов бўл, сергак қаламим. Давру довонлардан баркамол ўзгил.* Г. Жўраева, Иқбол.

ДОВОН II *махс., кам қўлл.* Тўқувчиларнинг ишхонасида икки устуннинг тепа оралиғига ўрнатилган ва устидан учига тош боғланган танда ошириб қўшиладиган ёғоч ғалтак.

ДОВОТ [*а.* دوات — сиёҳдон] *эск. айн.* **сиёҳдон.** *[Аваз] Токчадаги лос солинган довот, қамиш қалам ва қоғозни олиб, хонтахта устига қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мадёр мингбошининг маҳкамаси: хонтахта устида қаламдонли довот, дафтар, қогозлар бор.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ДОВРУҚ 1 Донг, шон-шуҳрат, машҳурлик. *Чала довруққа чол йиғилар.* Мақол. ▬ *Сувратингизни кўп кўрганман, довруғингизни кўп эшитганман.* С. Аҳмад, Уфқ.

Довруқ таратмоқ *ёки* **довруғи кетмоқ** Машҳур бўлмоқ, ҳаммага танилмоқ. *“Бобурнома” 17-асрнинг 90-йилларидан бошлаб Европага довруқ таратган эди.* «Фан ва турмуш». *Аммо номи тилдан тилга ўтиб, бутун фронтга довруғи кетган бу қизнинг ўйида фақат Нормат кечарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Миш-миш гап, хабар, шов-шув. *Ўттиз икки танга [солиқ]довруғи гузар аҳлининг юракларини уюштириб, буни эшитиш биланоқ исёнга қўл қўйдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг [Тожибойнинг] юмуш билан Тошкентга бориб келгани Қамишкапада хийла довруқ бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДОВРУҚЛИ Довруғи кетган; шуҳрат қозонган, донг чиқарган. *Довруқли пахтакор.* ▬ *У заводга илк бор қадам қўйганда, келажакда довруқли пайвандчи бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.* Газетадан.

ДОВУЛ I Вайронлик келтирувчи кучли бўрон. *Довул турди. Довулда қолмоқ.* ▬ *Сал ўтмай осмон оқариб, атроф ёриша бошладию, тунги қора довулнинг қабиҳ иши бутун даҳшати билан намоён бўлди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Ёлғизлик қурсин, ёлғизга қоронғи тунда шабада ҳам довул бўлиб туюлар экан.* И. Раҳим, Ихлос.

ДОВУЛ II *эск.* Овчилар, тўпчи қоровуллар ёки ҳарбийлар учун мўлжалланган, теридан ёки пўлатдан ясалган махсус ноғора. *Довул ҳар вақт миршабнинг ўзи ёки унинг ўринбосари шаҳарни айланиб юрганда чалинарди.* С. Айний, Дохунда. *Урди Ҳасан довулни, Қаттиқ тортиб айилни.* «Равшан». *Аҳён-аҳёнда узоқлардан довул товуши эшитилади: тун посбонлари уйқудаги шаҳарни қўриқлаб юрадилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

Довул қоқмоқ (*ёки* **чалмоқ)** 1) қаттиқ, даҳшатли овоз чиқармоқ, гумбурламоқ. *Ихтиёрим ҳеч бир касга бермадим, Довул қоқиб, шунқоримни чуймадим.* «Эрали ва Шерали». *Момақалдироқ ваҳимали довулини қоқиб, гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда чақмоқ чақар эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси; 2) бонг урмоқ. *Сиз деб қоқдим, яна балким қоқарман, Исён довулини қаттиқ қоқарман.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

ДОВУЛБОЗ *тар.* Довул чалувчи, довул қоқувчи. *Мен эдим неча вақт элда довулбоз, Тул бўп қолди Барчинойдай сарвиноз.* «Алпомиш». *Қайтарма Чамбилнинг довулбозини, Ўғлинг олиб келар сарвинозини.* «Интизор».

ДОВУЛЛИ 1 Довули бор, довулга эга бўлган. *қ.* **довул** II.

2 Қаттиқ бўронли; довул бўлиб турадиган. *Баҳорда сел, дўл, бўрон ва довулли кунлар бўлди.* Газетадан. *Қиш чиқиб, довулли кунлар камайиб қолди.* А. Мухтор, Чинор.

ДОВУР I *кўм. (ж.к. билан) шв.* **1** Қадар, -гача. *Соат иккига довур. Қишга довур. Кечга довур.* ▬ *У чўлоқланиб дарвозага довур чиқди.* «Ёшлик». *Мен унга довур бу ҳовлининг шикаст-рехтини созлатиб, боплаб жиҳозлаб қўяман.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Юнусхон тонгга довур ўн қайта ухлаб, ўн қайта уйғонди.* М.М.Дўст, Лолазор.

2 Марта, карра. *Тиловбердини ўғлинг билан уч довургача олиштираман.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ДОВУР II *шв.* Товуш, овоз. *Ер тагидан бежой отнинг довури келадир.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

ДОВУР III *айн.* **давир**.

ДОВУЧЧА *шв.* Ҳали пишмаган, ғўр ўрик, ғўра. *Деворлар оша эгилиб ётган ўрик шохида данак қотирган довуччалар маржондек тизилган, оқариб қолган гилослар устида чумчуқлар парвона бўларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Келинлар ўрикнинг шохини эгиб, лабини қимтийди: Нордон довучча!* С. Акбарий, Меҳригиё.

ДОВУЧЧАЛАМОҚ Ғўра мева тугмоқ, ҳосил қилмоқ. *Баҳорнинг қизиган кунлари: ўриклар довуччалаган, олмалар туккан, тутлар пишаёзган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДОВУШ *с.т. шв.* Товуш, овоз. *Кўкалдош алп ҳарчанд чинқириб қолди, куйиб-пишиб, кўп довуш қилди. Қоражон қулоқ солмай кетди.* «Алпомиш». *Оҳ тортганда, тўкилар кўзидан ёши, Ғам билан чиқади бекнинг довуши.* «Алпомиш».

ДОВУШЛАМОҚ *шв.* Қичқирмоқ, товуш чиқармоқ; чақирмоқ. *-Тўхта, золим! — деди ҳам довушлади.* «Эрали ва Шерали».

ДОВЧИ Жасур, довюрак, довлашувчи киши. *Милтиқ кўтарган билан овчи бўлмас, Дағдаға солган билан довчи бўлмас.* Мақол. *Кўп отган билан овчи бўлмас, Кўп деган билан довчи бўлмас.* Мақол.

ДОВЮРАК Қўрқмас, ботир, жасур. *Довюрак одам.* ▬ *Мен довюрак Ражабовни тоғ бургутига ўхшатдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бай-бай, аммо зап довюрак йигитлар экан-да, шоввозлар!* О. Ёқубов, Ота изидан.

ДОГМА [*юн.* dogma, dogmatos — фикр; қарор; таълимот] Қанчалик тўғрилиги танқидий текшириб кўрилмай, ҳақиқат сифатида кўр-кўрона қабул қилинган қонун-қоида, фикр; ақида. *Баширжон "догма" сўзининг маъносига тушунмаса-да, ҳар қалай, ёмон ҳақоратли сўз эканига ақли етди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДОГМАТИЗМ Эскирган, қотиб қолган, бир томонлама назария ва қонун-қоидаларга, ақидаларга асосланган тафаккур; танқидий қарамай, кўр-кўрона фикрлаш; ақидапарастлик.

ДОГМА́ТИК *от* Қотиб қолган, ўзгармас ақидалар тарафдори; ақидапараст. *Догматикларни ва қироатхонларни турмуш улоқтириб ташлаганлигини ва улоқтириб ташлаётганлигини кўриб турибмиз.* Газетадан.

ДОГМАТИ́К *сфт.* Қотиб қолган, ўзгармас фикр, мушоҳадаларга, ақидаларга асосланган. *Догматик қарашлар.* ▬ *Оқибатда фанга нисбатан догматик қарашлар зарбага учрамоқда, консерватизм барҳам топмоқда.* «Муштум».

ДОГОВОР [*р.* договор — келишув, битим] *эск. айн.* **шартнома.** *Хатда нима депти? — Договорнинг бир нусхасини сўрапти.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ДОД [*ф.* داد — адолат, адл; фиғон, нола] **1** *унд.с.* Руҳий ёки жисмоний азобга чидай олмай чиқарилган қаттиқ товуш; бақириқ, фарёд. *Дод! Войдод! Кимсаной, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмайдими, болам!* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Бу юракни сиқадиган жимликдан у "дод!" деб юборай деди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эрталаб жуда ёмон аҳволга*

тушди: уйнинг у бошидан бу бошига “дод” деб юмалайди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

Дастидан дод (демоқ) Кимсанинг ёки бирор нарсанинг салбий ҳаракатидан, бирор нохуш воқеадан норозилик сифатида нола, фарёд қилмоқ. *Жиззахда молларидан айрилиб, ўғрилар дастидан дод деб юрганлар анчагина.* «Муштум». *Дод бу рашкчи эрнинг дастидан.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Дод! Золим келиннинг дастидан дод!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Хавф-хатардан ёки қўрқувдан ёрдамга чақириб чиқарилган қаттиқ овоз; бақириқ. *Дод солмоқ.* ▬ *Дод! Дод, одамлар, келинглар! Дод, бек ўзига ўт қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қиз ҳозир бошига қоп кийдирилишини билди-ю, бор овози билан дод солиб қичқира бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *-Дод! Войдод! Қароқчилар босди! — довон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳозир беҳисоб туёқлар остида қолиб янчилишини сезди-ю, дод солиб қичқирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *кўчма* Ёмон ном, ёмонлик, ёвузлик. *Дод қолдирма, от қолдир.* Мақол. *Яхшидан от қолади, Ёмондан — дод.* Мақол.

4 *кўчма* Адолатсизлик ёки азоб-уқубатдан нолиб қилинган оғзаки ёки ёзма арз, шикоят, фиғон. *[Домла Ғофирга:] Қани, додингни айт, нима додинг бор?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Азиза додини кимга айтишини билмай, қон-қон йиғлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Додига етмоқ, додига қулоқ солмоқ *ёки* **додини эшитмоқ, тингламоқ** Шикоятини, арзини тингламоқ; адолат қилмоқ. *Подшоҳга арзга борсангиз, додингизга етмасмикин, мулла тоға?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Додини тинглайдиган мураббий тополмасди.* К. Яшин, Ҳамза. **Додингни худога айт!** Аҳволингни, арзингни, шикоятингни ҳеч ким тингламайди, дод дейишнинг фойдаси йўқ. *-Аканг айлансин, Сидиқжон, энди додингни худога айт! На ўзингга қилдинг, на манга.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

Додини бермоқ 1) таъзирини, адабини бериб қўймоқ, қилмишига яраша чора кўрмоқ; жазоламоқ; қийнамоқ. *Унақа муттаҳамнинг додини бериб қўйиш керак.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Сиз йигитларнинг додини берадиган қизсиз.. сизга ўнлаб йигит мафтун бўлиши мумкин.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш; 2) ўлдирмоқ, қирмоқ. *Буни минсанг, ака, йўлли бўласан, Қалмоқларнинг жуда додин берасан.* «Алпомиш». *Кўп девларнинг додин берган Гўрўғли, Авазхонга раҳбар бўлган Гўрўғли.* «Маликаи айёр.

ДОДА *шв.* Дада, ота. *Додам пул берди, санолмадим..* (Топишмоқ — Юлдузлар).

ДОД-БЕДОД [*ф.* داد-بیداد — шовқин, жанжал; фарёд] Ёрдамга чақириб қилинган нола, арз-дод; шовқин-сурон. *Сафарқул.. дарёдан ўтиб, Ширинилар қишлоғига яқинлашганда.. қишлоқдан чиқаётган “дод-бедод!” ва “войдод!” садолари уни жуда ҳайратга солди.* С. Айний, Қуллар. *Кампирнинг дод-бедоди эшитилди.* С. Айний, Қуллар.

ДОД-ВОЙ Дод солиш, додлаш; бақириқ, фарёд. *Қоронғи уйда ур-йиқит, тўполон, муштлаш, отишма, дод-вой бошланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Пастда эшитилган дод-войлар ва инграшларга қараганда, бу тошлар мўлжалга тегмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ДОДЛАМОҚ Руҳий ёки жисмоний азобга чидай олмай, қаттиқ овоз чиқармоқ, бақирмоқ. *Хотин кишининг додлагани, эркак кишининг сўкингани эшитилди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Менинг биқинимда осколка борлигини биларди, додлаб юборади, деб ўйлади шекилли.* А. Мухтор, Асарлар.

2 Қаттиқ овоз чиқариб йиғламоқ, фарёд, нола қилмоқ. *Кампир додлаганича бориб, ўғлининг ўлиги устига ўзини ташлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Санобар хола соч юлиб додлади, йиғлади, сиқтади.* С. Зуннунова, Олов.

3 Ёрдамга чақириб дод солмоқ. *Додлаб қочар экан, йиқилди.* «Ёшлик». *Додлаб, ёрдамга чақиришга шаҳзоданинг иззат нафси йўл қўймасди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ДОДРАС [*ф.* دادرس — қози; ҳимоячи, халоскор] Жабрланганларни ҳимоя қилувчи, уларнинг арзини тингловчи. *Арзинг бўлса, додрас ҳузуридасан, гапир!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ДОД-ФАРЁД [*ф.* داد-فریاد — шовқин, бақириқ, фарёд] Дод ва фарёд, дод-вой. *Дод-фарёд қилмоқ.* ▬ *Аёллар дод-фарёд кўтариб, муштлашганларни ажратишга чақира бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Инграган овозлар, дод-фарёдлар эшитила бошлади.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Бир зумда қийчув, тўполон, дод-фарёд кўтарилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ДОД-ФИҒОН *айн.* **дод-фарёд.** *Дод-фиғон кўтармоқ. Дод-фиғон қилмоқ.*

ДОДХОҲ [*ф.* دادخواه –даъвогар; одиллик истовчи] **1** *эск. кт.* Адолат талаб этувчи, адолат истовчи, даъвогар. *Нима деб амр этсам, шуни қилинглар, Ҳуройим устидан додхоҳ бўлинглар.* «Рустамхон».

2 *тар.* Бухоро хонлигида адолат, ҳақ-ҳуқуқ истовчилардан амир номига ариза қабул қилувчи ва унинг жавобини арзчиларга етказувчи лавозимли киши. *Райимбек додхоҳ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гулчеҳра давлатхонага кириб, мирохўр, тўқсабо, додхоҳларни чақирди.* «Эрали ва Шерали».

3 *тар.* Қўқон хонлигида қозихона ишлари устидан назорат олиб борувчи амалдор.

4 *тар.* Ўтмишда Фарғона водийси ва Тошкентда мингбоши ва бошқа баъзи амалдорларни улуғлаш учун ишлатилган сўз. *Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос. Порасиз ўтмас сенга юз илтимос.* Муқимий. *-Ҳа, шошманг, дарвоқе, мингбоши додхоҳ ёрдам бермасмикинлар?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ДОЗА [*юн.* dosis – бўлак, улуш] *тиб.* Беморга бир бор ёки бир кеча-кундузда қабул қилиш учун белгиланган дори-дармон миқдори. *Болалар дорисининг дозаси. Катталар дорисининг дозаси.* ▬ *[Сиддиқа] Дориларнинг хиллари, дозаларини, яъни қайси дорида қандай аралашмалар борлигини ва бу аралашмалар миқдори қанча эканлигини ҳам айта олади.* Н. Ҳакимова, Врач бўлмаса ҳам.

2 Умуман муайян ўлчовга эга миқдорлар. *Намакоб тайёрлаш учун туз билан сув турли дозаларда олиниши мумкин. Ўсимликка радиоактив нур берилса, берилган нурнинг дозасига қараб, ё яхши ўсади, ёки секин ўсади.* «Фан ва турмуш».

ДОЗАЛАМОҚ Дозаларга бўлмоқ; дозасини белгиламоқ. *Беморларга бериладиган дориларни дозалаб чиқдим.*

ДОЗАТОР **1** *тех.* Суюқ ва сочилувчан моддалар миқдорини, қоришмага кирадиган таркибий қисмлар улушини автоматик равишда ўзи ўлчайдиган (дозалайдиган) мослама, асбоб. *Ҳозирги вақтда бетон қилиб қориладиган шағал, майдаланган тош, қум, цемент махсус тарозилар – дозаторларда тортилади.* Газетадан.

2 Ўшандай асбоб билан иш қилувчи мутахассис, ишчи.

ДОЗАТОРЧИ *айн.* **дозатор 2.** *Корхона дозаторчилари ва лаборатория ходимлари уларнинг [омухта емларнинг] сифатини доим назорат қилиб борадилар.* Газетадан.

ДОЗИМЕТР [доза + *юн.* metreo – ўлчайман] Ионловчи нурланиш дозаларини ўлчовчи асбоб. *..бу иш аллакимнинг дозиметрга боқиб кўриш хаёлига келмагунча давом этди.* Газетадан.

ДОЗИМЕТРИЯ *физ.* Амалий ядро физикасининг ионловчи, радиоактив нурлар дозасининг жонли ва жонсиз организмга таъсирини ифодаловчи физик миқдорларни ўрганувчи, нурланиш дозасини аниқловчи соҳаси.

ДОИМ [*а.* دائم – чўзилувчи, узун; ҳамиша] *рвш.* Вақт жиҳатдан узлуксиз давом этувчи; ҳамма вақт, ҳамиша. *Қизи бор уй доим саришта.* Мақол. *Бўрининг кўзи доим овда.* «Қанотли сўзлар». ▬ *У менга доим сени эслатиб туради.* Т. Ашуров, Оқ от.

ДОИМИЙ **1** Ҳамма вақт мавжуд бўлиб, узлуксиз давом этиб турадиган, муттасил. *Доимий ғамхўрлик.* ▬ *Ёрмат бу ерда доимий яшамас эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Китоб – Жомийнинг яхши дўсти, ажралмас ҳамроҳи, мутолаа ва ижодиёт эса унинг доимий машғулоти эди.* Газетадан.

2 Ўзаро, узлуксиз, ўзаро боғланган. *Сой билан шабада товуши қўшилиб, доимий бир куй ҳосил қилади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Оғриқ эса доимий ва борган сари кучайиб борадиган бўлади.* Ҳ. Ҳакимов, Ўткир аппендицит.

3 Абадий, мангу. *Доимий дўст.* ▬ *Касалхона, меҳрибон ҳамшира Элмуроднинг эсида доимий сақланиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДОИМО *айн.* **доим.** *“Тупроқ олсанг, олтин бўлсин”, деб доимо онам дуо қиларди.* «Гулдаста». *Лочинлар вояга етганда, доимо жуфт бўлиб юради.* «Фан ва турмуш».

ДОИР [*а.* دائر – айланувчи, айланма] *кўм. (ж.к. билан)* Алоқаси, дахли бўлган, алоқадор, тегишли; мансуб. *У [Сидиқжон] ишга доир гапларга аралашиб, бировнинг фикрини қувватлар ёки рад қилар, ўз фикрини айтар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу кимёга доир гап.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хотира дафтарида ёзувчилик меҳнатига доир кўп фикрларни учратиш мумкин.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ДОИРА I [*а.* دائره – айлана, доира; соҳа, тармоқ] **1** *геом.* Текисликнинг айлана билан ўралган юзаси; тўгарак. *Ярим доира. Доиранинг юзи.* ▬ *Кучли шамол юзлаб километрли улкан доира бўйлаб елади..* «Фан ва турмуш». *Скамейкалар доира шаклида қўйиб чиқилди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кенг далада доира ясаб ўтирган одамлар орасидаги деярли ҳамма йигитларнинг кўзи Бадиага.. қаратилган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мактабнинг очиқ дарвозасидан кўкиш такси кириб келди-ю, ярим доира қилиб айланиб тўхтади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Доира чизмоқ 1) тўгарак чизиқ чизмоқ. *Тошкент харитасининг бир қанча ерига йўғон қизил қалам билан доиралар чизилган эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар; 2) *кўчма* доира шаклида айланмоқ, давра олиб юрмоқ ёки учмоқ. *Жуда баландда, худди кўк гумбазининг остида, қандайдир каттакон бир қуш қанотларини борича ёзиб, аста доира чизмоқда.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қилич ялանғочлаганлар орқасида доира ясаб отлиқлар ҳам турарди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 *кўчма* Белгили бир чегара, аниқ бир ҳудуд ичидаги жой. *Шаҳар доирасида.* ▬ *Адабиётда умр бўйи тутаб юрган ёзувчи ҳеч қачон ўз маҳалласи доирасидан ташқарига чиқмайди, лекин ўзини классик ҳисоблайди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

3 *кўчма* Бирор иш-ҳаракат, қонун-қоида ва ш. к. давом этиши, жорий бўлиши, тарқалиши эҳтимол бўлган белгили ҳудуд, жой. *Фронт доирасидаги шаҳарлардан кўчириб келтирилаётган одамларни жойлаштиришга тайёргарлик кўриш лозим эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *..бола тарбияси, унинг ахлоқ-одобини фақат оила доирасига боғлаб қўйсак, рўй берган ҳозирги янги шароитга тўғри келмайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 *кўчма* Чегара, чек, рамка. *Инсоф доираси. Фикр доираси. Таъсир доираси.* ▬ *Камина адаб доирасидан заррача чиқмаган бўлса керак.* Ойбек, Навоий. *Фарғонадаги кенгаш Умиднинг дунёқараш доирасини анча кенгайтирди.* Мирмуҳсин, Умид.

5 *кўчма* Белгили бир соҳа, касб ёки табақа ва ш. к. аҳли; кишилар йиғиндиси, уюшмаси. *Юқори доиралар. Хабардор доиралар. Журналистлар доираси.* ▬ *Гуландом бундай турмушдан нафрат қилар, бу ифлос доирадан, фаҳш уясидан қутулишни истар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..мавлоно Беҳзод чизган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро тасвирлари расмий доираларда шуҳрат топган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ДОИРА II Айлана шаклидаги, гардишсимон урма мусиқа асбоби; чилдирма, даф. *Доира чалмоқ.* ▬ *Болохонанинг токчасида доира, танбур, дутор ва рубоб каби мусиқий асбоблар бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Чилдирмачи пастга сакраб тушиб, доирасини қиздириб келди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДОИРАВИЙ 1 Доира шаклидаги, айланма. *Доиравий йўл.* ▬ *Сўнгроқ тепанинг ўртасидан катта доиравий.. бир супа қилиб, устига бир шийпон солди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Асоси доира шаклида бўлган. *Доиравий конус (мат.).* ▬ *Агар тўғри бурчакли учбурчакни катетларидан бири атрофида айлантирилса, унда тўғри доиравий конус деб аталувчи геометрик жисм ҳосил бўлади.* «Геометрия» дарслиги.

ДОИРАСИМОН Айланага ўхшаш, тўгараксимон. *Маъруф Назаров вертолётнинг доирасимон кичик ойналарига қараб, осмон гумбазига боқарди-да, хаёл сурарди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ДОИРАЧИ Чилдирма чалувчи, чилдирмачи. *Доирачи раққосанинг етакчиси бўлибгина қолмай, балки бутун ансамблни бошқариб, усуллар йўлини кўрсатиб берувчилардандир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Халқ сайили ва байрамларида доирачиларнинг мусобақалари тез-тез уюштирилиб турар, доирачилар эса ўз ўйинчилари билан унга қатнашар эдилар.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ДОЙИ *шв.* Тоға. *Рўмолимнинг учи шойи, Ўртасида бордур ойи. Олиб беринг, жоним дойи.* "Қўшиқлар". *Хон, Авазни дорга буюрган экан, дойим орага тушиб, эллик таёқ сўрабди.* С. Сиёев, Аваз.

ДОЙРА *с.т. айн.* **доира.** *Тўйдан қайтиб келганда, Дойра чалиб келамиз.* «Бойчечак».

ДОЙРАДАСТ *айн.* **доирачи.** *Кейин сурнайчи Мировни.. дойрадаст Зойирбой Гулбоевни ёзинг.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Дойрадастлар, қўлга олинг дойрани, Раққосалар чир айлансин даврани.* Р. Бекниёз, Тўтиё.

ДОЙРАЧИ *айн.* **доирачи.** *Ўшанда у киши.. ёш йигит – дойрачи эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ДОК [*голл.* dok, *инг.* dock – кема устахонаси] Кемаларнинг сувга ботиб турадиган қисмини қуриш, сувдан чиқариб кўздан кечириш ва таъмирлаш ишларини амалга оширувчи корхона. *Касаба союзларига доклардаги юк ташувчилар, қора ишчилар ва бошқалар бирлашдилар.* Газетадан.

ДОКА Пахта ипидан сийрак қилиб тўқилган юпқа газлама. *Эр-хотиннинг уруши – Дока рўмолнинг қуриши.* Мақол. ▬ *Роҳатбиби эрини эсига олар экан, кўз ёшларини дока рўмолининг учи билан артиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Дока кўйлак киймайман, Ич кўйлаги бўлмаса, Сени ёрим демайман, Зар кокилинг бўлмаса.* «Оқ олма, қизил олма».

ДОКАПАРАНГ, докафаранг Францияда, умуман, Европада тўқилган юпқа, ҳарир мато, ипакли дока. *Отамнинг юзига сув сачради, шекилли, белбоғига қистириқлик докафаранг рўмолчасини олиб артди.* Ойдин, Гулсанам. *Докапаранг кўйлагинг кийсанг бўлар, ёр-ёр. Шу қишлоқда бировни севсанг бўлар, ёр-ёр.* "Қўшиқлар".

ДОКАФУРУШ Дока билан савдо қилувчи, дока сотувчи. *Докафуруш Исмоил Ёдгоровнинг савлатидан от ҳуркади.* «Муштум».

ДОКЕР [*ингл.* docker – док ишчиси] Портларда юк ташувчи, докларда, кемасозлик корхоналарида ишловчи ишчи. *У докер ухлаган қирғоққа боқар, Куёшдай муқаррар, чин ва муштарак.* А. Мухтор, Асарлар.

ДОКЛАД [*қад. р.* докладати < кладати – қўйиш, тахлаш] *эск.* **1** *қ.* **маъруза.** *Ҳисобот доклади.* ▬ *Докладдан кейин қизғин музокара бошланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шундай маърузанинг ёзма матни. *Доклад ёзмоқ.* ▬ *Ҳайронаман, ҳайронаман, ҳайронаман. Докладимни ёзолмайман, ҳайронаман.* «Муштум».

3 Юқори раҳбарий органларга ёки бошлиққа оғзаки ёки ёзма равишда тақдим этилган расмий маълумот, ахборот. *Сержант Лобов бўлинмасини бошлаб бориб, жангчиларнинг машққа тайёр эканини доклад қилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ДОКЛАДНОМА Бирор хабар, воқеа-ҳодиса тўғрисида раҳбар органларга ёки бошлиққа ёзма равишда топшириладиган расмий маълумот, ахборот (*қ.* **билдиришнома**). *Докладнома ёзмоқ. Докладнома топширмоқ.* ▬ *Унинг қўлидаги даста-даста ҳисоботлару докладномаларни ўқисангиз, гўё шаҳарда ҳеч қандай чанг, ғубор йўқ.* Газетадан.

ДОКЛАДЧИ *айн.* **маърузачи.** *У [Ойимхон] мажлисни очгач, докладчига сўз берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Докладчи Исмоилжон Норматов охирги сўзида буни мамнуният билан қайд этди.* А. Қаҳҳор, Синчалак.

ДОКТОР [*лот.* doctor – ўқитувчи, муаллим, устоз] **1** *с.т.* Касалларни даволовчи олий маълумотли тиббиёт ходими; шифокор, врач. *Доктор ёзаётган анкетасидан бош кўтариб, жилмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ойим ҳам тез-тез докторга қатнайдиган бўлиб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Докторлик диссертациясини ҳимоя қилган фан номзодлари ёки профессорларга бериладиган олий илмий даража ва шу даражани олган олим. *Филология фанлари доктори.* ▬ *Илмий кенгаш кашфиётимни кўриб чиқиб, яхши баҳолабди ва менга медицина фанлари доктори даражасини беришга қарор қилибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ДОКТОРАНТ [*нем.* Doktorant – докторлик илмий даражасини олишга тайёрланаётган < *лот.* doctorantis – таълим олаётган] Докторлик диссертациясини ёзиш учун бирор илмий муассасага бириктириб қўйилган фан номзоди.

ДОКТОРАНТУРА Илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари ҳузуридаги олий малакали илмий ходимлар – фан докторлари тайёрлаш шакли. *Докторантура фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланади.* Газетадан. *Институт ҳузурида аспирантура ташкил этилди, ҳозирги вақтда эса докторантура ҳам очилди.* Газетадан.

ДОКТОРЛИК 1 Доктор илмий унвонини олиш учун ёзилган иш ёки ана шундай илмий даража. *Докторлик диссертацияси.* ▬ *Орадан йиллар ўтиб, Абдуқаҳҳор ака докторлик илмий даражасини олди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Яхши одам, ҳозир докторлик диссертациясини ёзяпти.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шифокор, врач касби; врачлик фаолияти. *Қорабўтанинг қизи докторликка ўқийди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Докторлик ҳам мушкул касб. Мен яқиндагина мустақил иш бошлаган одамман.* «Ҳарорат».

ДОКТОРХОНА *с.т. эск.* Касалларга хизмат қилувчи муассаса; амбулатория, касалхона. *Ойингиз бир оз бетоб бўлиб қолди. Докторхонага олиб кетишди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Қишлоғимиз катта бўлмагани учун докторхона йўқ. Аммо аптека бор.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ДОКТРИНА [*лот.* doctrina – таълимот; ўқимишлилик] *кт.* Илмий ёки фалсафий таълимот, назария; асосий назарий ёки сиёсий нуқтаи назар. *Ҳарбий доктрина.* ▬ *Ядро қуролини ишлатишдан, биринчи ядро зарбаси доктриналаридан воз кечиш тинчлик ишига хизмат қилади.* Газетадан. *Ўзбекистонда ҳарбий доктрина ишлаб чиқилган.* Газетадан.

ДОКТРИНЁР [*фр.* doctrinaire – муайян доктрина тарафдори] *кт.* Бирор доктринага, догмага, илмий ёки фалсафий таълимотга қаттиқ ёпишиб олган ва унга кўр-кўрона эргашувчи шахс; ақидапараст.

ДОЛ I *фольк.* **1** Тик, тикка, адил. *Дол қомат.* ▬ *Дол бўйингдан мендай момонг ўргилсин, Эр йигит суйгани нозли гул бўлсин.* «Нигор ва Замон». *Ой томоша қилар осмондан Ҳовлиларни ҳар тун дол туриб.* У. Қўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 *рвш.* Худди, нақ, қоқ; аниқ. *Нишоннинг дол ўртасига урмоқ. Овни отсанг, билиб от, Дол нишонга илиб от.* Мақол. ▬ *Олмакўзнинг [отнинг] дол белига минайин, Чиқиб, саҳроларда сайр қилайин.* «Орзигул».

3 *рвш.* Бир оз қийшайтириб, яримта қилиб. *Дўппини дол қўймоқ. Дуррани (рўмолни) дол ўрамоқ.* ▬ *Дўппини дол қўндириб олган новча ҳофиз тўйхонани бошига кўтариб хониш қиляпти.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Эгнида гулдор пушти халат, дуррани дол қўйган, оёғида қизил бахмал шиппак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Кичкина дакана рўмолини дол қўйибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бутун, борича, баланд (товуш ҳақида). *-Ҳа, адаш, топилдими болаларингиз? – деди қўшниси Озодага, азбаройи эшитсин дебми ё бошқа ниятдами, овозини дол қўйиб.* «Ёшлик».

5 Ёнғоқ, данак ўйинларида соққанинг ган(кон – маълум шаклда тизилган ёнғоқ)га энг яқин турган ҳолати ҳақида (бундай соққа эгаси биринчи бўлиб отиш ҳуқуқига эга бўлади). *-Сен долми, мен долми? – Мен дол!*

6 *шв.* Кифт, елка.

ДОЛ II [*а.* د – “д” ҳарфи номи] Араб алифбосида “д” ҳарфининг номи (унинг шакли – د – мумтоз адабиётда эгилган қадқоматга ишора сифатида қўлланади). *Алифдек қоматинг долдек эгилмиш.* ▬ *Оғир меҳнат белини дол қилган.* К. Яшин, Ҳамза. *Не-не тик қадларни дол этди қоғоз.* А. Исроилов, Биз – дунё одамлари.

Дол бўлмоқ Эгилмоқ, букилмоқ. *Қаддимиз дол бўлиб, ёнди юраклар.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. *Гоҳ бўрон ўкирар, гоҳ бўралар қор. Чинорлар дош бермай, бели дол бўлар.* Миртемир, Асарлар.

ДОЛЗАРБ 1 *от взф.* Бирор иш ёки жараён энг қизғин ёки қисталанг бўлган пайт. *Саодатга шундай долзарбда яхшилик қилмай, қачон яхшилик қиласан?* И. Раҳим, Ихлос. *Суяк-суягигача пахтакор одам бунақанги долзарбда даладан жилмайди.* Р. Файзий, Асад либоси.

Долзарб кунлар (*ёки* **палла**, **пайт**, **дам**) Ишлар қизиган ёки тиқилинч келиб қолган кунлар. *Иш қисталанг келиб, долзарб кунлар ҳам бошланди.* А. Шермуҳаммедов, Тошкентлик паҳлавон. *Ҳозир чорвадор учун энг долзарб кунлар ҳисобланган қишлов давом этмоқда.* Газетадан. *Пахта йиғим-терими долзарб паллага кирди.* Газетадан.

2 *сфт.* Бажарилиши, қилиниши кечиктириб бўлмайдиган, биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган; ўта муҳим. *Долзарб муаммо. Долзарб масала. Долзарб вазифа.* ▬ *Абдулла Қаҳҳор адабиётимизнинг долзарб масалаларига беҳад талабчанлик билан ёндашар эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Долзарб мавзудаги маърузалар ўқиб эшиттирилди.* Газетадан. *Саноат роботларини ривожлантириш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.* «Фан ва турмуш».

ДОЛИ-ГУЛИ: доли-гулига келмоқ (*ёки* **етмоқ**) 1) авжга чиқмоқ, қизимоқ. *Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб, ўйин айни доли-гулига келганда, майдон гумбурлаб кетди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Екиш авжи доли-гулига етган вақтда-я!* С. Аҳмад, Сайланма; 2) етилмоқ, тобига, қиёмига етмоқ. *Агар биз ернинг доли-гулига келишини кутиб ўтирсак, вақтдан ютқазадиганга ўхшаймиз.* Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва.

ДОЛЛАР [*ингл.* dollar < *нем.* Taler – олтин ёки кумуш танга] **1** Америка Қўшма Штатларининг асосий пул бирлиги (1786 йилдан). *Бир доллар 100 центдан иборат.* ▬ *Ҳар йили*

жаҳон бозорида 200 миллиард доллар баҳода турли дорилар сотилади. «Фан ва турмуш». *Шундай жамғармага эга бўлишимиз керакки, хоҳлаган пайтда – маркагами, долларгами.. истаган нарсаларимизни сотиб олиш учун қурбимиз етсин.* Газетадан.

2 Австралия, Барбадос, Канада, Малайзия, Сингапур, Фижи, Ямайка каби 30 га яқин катта-кичик давлатларнинг пул бирлиги (бошқа валюталарга нисбатан қиймати бир хил эмас).

ДОЛЛАШМОҚ 1 Ким доллигини аниқлаш учун кимнинг соққаси ганга яқинлигини ўлчашмоқ. *қ.* **дол 5.** *Ким дол? -Мен дол. -Йўқ, мен дол. -Бўлмаса, доллашамиз.*

2 *кўчма* Куч синашмоқ, беллашмоқ.

ДОЛОМИТ [*фр.* француз минерологи Г. Доломье номидан] *геол.* Мураккаб таркибли кулранг, сариқ, яшил рангли минерал. *Оҳангарон ва Олмалиқ атрофида доломитнинг катта захиралари бор.* Газетадан. *Ҳайвон қолдиқлари йиғиндисидан пайдо бўлган оҳактош ва доломит жуда кўп тарқалган органик тоғ жинсларидан ҳисобланади.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

ДОЛОН [*ф.* دالان – усти ёпиқ йўлак; даҳлиз] *шв.* Дарвозадан то ҳовлигача қурилган, икки томони девор, усти ёпиқ кенг йўлак. *Дўстинг келса долонда кут, Душман келса – айвонда.* Мақол. ▬ *Баширжон долон эшигида бир оз иккиланиб турди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДОЛЧИН [*ф.* دارچین – долчин, корица] **1** Лаврдошлар оиласига мансуб, барги қалин, доим яшил тропик дарахт.

2 Шу дарахтнинг қуритилган ва зиравор ҳамда доривор сифатида ишлатиладиган пўстлоғи. *Қанисан, болам? Манави чойни ич. Долчин солиб дамлаганман.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ДОЛҒА 1 *поэт.* Кучли, қудратли тўлқин, пўртана. *Умрдир гоҳида долғали уммон.* А. Исроилов, Югурик нур. *Инсон ахир турди, Инсон эмас, виждон турди. Тинмайсанми, долға, долға..* Т. Тўла, Асарлар.

2 *кўчма* Турмуш қийинчиликлари, тўсиқлар, ғовлар; ғалаён. *Инсонни жамият орасида долғалар, курашлар, суронлар кутади.* «Шарқ юлдузи». *Қалб шундай уммонки, унинг бағрида Даҳшатли долғалар силсиласи бор.* Э. Воҳидов, Садоқатнома. *Мана тахтда Ҳусайн Бойқаро ўтирур жим, фикрида долға.* Ойбек, Гули ва Навоий.

ДОЛҒАЛАНМОҚ *поэт. айн.* **тўлқинланмоқ.** *Бизга берилган бахтни эплаб олиш, бошқариш керак, оғайни, бу бизнинг зиммамизда. Кўксим долғаланиб кетади ўйласам.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ДОЛҒАЛИ *поэт.* Қаттиқ тўлқинланган, кўпириб тошган; пўртанали. *Эртанги хаёллар – долғали денгиз. Ғафлат кечасининг сукутига зид.* Р. Бобожон. *Парк долғали денгиз каби кўпирарди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ДОМ I [*ф.* دام – тўр, тузоқ, қопқон] *кт.* **1** Ҳайвон ва паррандаларни тирик тутиш учун мўлжалланган ов қуроли; тузоқ, сиртмоқ; қопқон. *Бандга тушган бу кўнгилдир, менда, айтинг, не гуноҳ, Дил қушига дом қўйган ул икки жодуда айб.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Зумрад маккорнинг домига тушган эди, чор-ночор бўйин эгди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Қафасдан бўшади эрк истаган қуш, оҳу халос бўлди йиртқич домидан.* Уйғун, Тонг қўшиғи.

2 *кўчма* Асирлик, тутқунлик. *Мен у саҳро гўзалининг бўйнидаги зулм домини узиб олиб ташламоққа қодир эдим.* Ойбек, Навоий. *Йўқ, эси-ҳуши сизда, муҳаббатингизнинг домига тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Бировни илинтириш ёки ўзининг йўлига юргизиш учун қилинган ҳийла, найранг; шу мақсадда қўйилган тузоқ, қопқон. *Аҳмоқ бўлмасам, шуларнинг ҳийласига лаққа тушармидим, Акрамнинг домига илинармидим.* О.Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим. *Эркин-эркин ўйнаб юрган бошқа оҳулар бу золим сайёднинг домига тушмасин, дейди.* К. Яшин, Ҳамза.

ДОМ II: **доми ҳам йўқ, дараги ҳам йўқ** Дом-дараги йўқ. *Ўшандан бери доми ҳам йўқ, дараги ҳам йўқ.* У. Исмоилий, Рустам.

ДОМ III [*тўғриси* **дам** I] Дам, ич, оғуш, қучоқ. *Бойлик ботқоққа ўхшаган нарса. Домига бир тортса, бир умрга ғарқ бўлиб кетишинг турган гап!* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бу уруш каттаю кичикни бирдек ташвиш домига тортди.* Б. Маҳмудов, Деҳқонбой ҳикояси. *Сени ҳам домига тортмоқ бўлади Севги деб аталган бу эски шева.* Ғ. Ғулом.

ДОМ IV [*р.* < *лот.* domos – уй, бошпана] *с.т.* Уй, кўп қаватли уй, бино. *Бинобарин, ҳар бир домдан оқилона фойдаланиш зарур эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Яхшиям домда турамиз.. дом деганлари жоннинг роҳати экан.* Газетадан.

ДОМАН [*ф.* دامن – этак, чет, ҳошия] *шв. айн.* **домана** II. *У [Аваз] гоҳо “Шеърият доманин бекор тутибман-да”, дея пушаймон ейди.* «Ёшлик».

ДОМАНА I *шв.* Ҳеч нарса, балога ҳам. *Ўзича ҳамма нарсага ақлим етади деб ўйлайди-ю, доманага ҳам фаҳми етмайди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ДОМАНА II Ҳар бир нарсанинг этаги, таги; чети, ҳошияси. *Тоғнинг доманаси.*

ДОМАНГИР [*ф.* دامنگیر – этакдан тутувчи] Бировдан хафалик жойи, гинаси бўлган, ўпка-гина қилувчи; даъвогар. *Домангир бўлмоқ.* ▬ *Аъзам ҳамон ўгай онаси билан дадасидан домангир.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Сойбўйи аҳли сиздан эмас, мендан домангир.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ДОМАТ *шв. айн.* **домод.** *Аваздай фарзандим келди, Қизимга доматим келди.* «Гулшанбоғ».

ДОМ-ДАРАК, дому дарак Хабар, дарак; ном-нишон. *Икки ойдан буён у қозизодадан дом-дарак йўқ.* Ойбек, Навоий. *Эрталаб келиб кўрса, милтиқ отилиб кетган-у, лекин ўлжадан дом-дарак йўқ.* С. Содиқов, Ўз-ўзини отган айиқ.

ДОМ-ДАРАКСИЗ Дом-дараги, ном-нишони йўқ; хат-хабарсиз. *Катта акаси дом-дараксиз.* А.Қаҳҳор, Сароб. *Эри шу кўйи дом-дараксиз кетаверди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ДОМИНАНТА [*лот.* dominans, dominantis – устунлик қилувчи, ҳукмрон] **1** Устун турувчи асосий ғоя, белги, хусусият, таркибий қисм. *Деярли ҳамма ҳолларда ҳам қора ранг қизил ранг устидан доминант бўлиши мумкин.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

2 *тлш.* Синонимлар қаторидаги бош, асосий сўз. *Ҳар бир синонимик қаторнинг чегараси, ундаги сўзлар асосий сўз (доминанта)га қиёслаш орқали белгиланади.* «ЎТА».

ДОМИНАНТЛИК Устун келишлик, устун туришлик.

ДОМИНИКАНЛАР *этн.* Доминикана Республикаси (Гаити ороллари)да яшовчи халқ.

ДОМИНИОН [*ингл.* dominion < *лот.* dominium – бирор нарсага эгалик, ҳукмдорлик] *эск.* Британия империяси таркибига кирган, номигагина ўзини-ўзи идора қилган, лекин ички ва ташқи сиёсатда унга қарам бўлган давлат. *Ўз-ўзини идора қиладиган мустамлакалар “доминионлар” деб аталади.* «Янги тарих» дарслиги.

ДОМИНО [*фр., итал.* domino < *лот.* dominus – жаноб] Ҳар бири икки сатҳ (юза)га ажратилган ва ҳар бир сатҳида 0 дан 6 тагача нуқтаси (очко) бўлган йигирма саккизта ясси тўртбурчак пластинкачалар билан ўйналадиган ўйин ва шундай пластинкачаларнинг ўзи. *Домино ўйнамоқ.* ▬ *Саҳна орқасида қилич-қалқон таққан кишилар домино ўйнаб ўтиришибди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Йиғиштирилган бир хонада тўрт киши домино ўйнаб ўтирибди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ДОМКРАТ [*голл.* dommekracht] *тех.* Машина, вагон каби оғир нарсаларни созлаш-қуриш ва таъмирлашда ўз устига қўйиладиган оғирликларни (500 тоннагача) вақтинчалик маълум баландликка кўтариб берадиган механизм. *[Шофёр] Уст кийимини ечиб, машинага домкрат қўйиб, ғилдиракни кўтарди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Илҳомжон тезда домкрат ва калитларни олди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДОМЛА *с.т.* **1** Домулла. *Хатиб домла жўнатилгандан буён катта масжид намозсиз қолаётганга ўхшарди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

2 Ҳар қандай илмли кишига ҳурмат билан мурожаат этиш шакли. *Шайхзода домла, гарчи мени ўқитмаган бўлса ҳам, мен ўқиган институтда дарс берар эди.* Шукрулло, Сайланма. *Домласи, шу қизимга яхши баҳо қўйворинг.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ДОМНА [*қад. р.* дымати – пуфлаш] Темир рудаларидан чўян олиш учун қурилган махсус печь, иншоот. *Моторлар гувуллар жаҳон йўлларида, Домналар тинимсиз меҳнаткаш.* А. Мухтор, Асарлар.

ДОМНАЧИ 1 Домна печини қурувчи.

2 Домна печида руда эритувчи мутахассис, ишчи. *Бекобод домначилари ўз ваъдаларининг устидан чиқишди.* Газетадан.

ДОМОВОЙ [*р.* домовая (книга) – уй дафтари] *с.т.* Муайян ҳовлида, хонадонда доимий яшовчилар қайд этилувчи махсус дафтар; уй дафтари. *У фамилиясидан “Хўжа”ни олиб ташлаган, домовойга “Тошхўжаев” эмас, “Тошев” деб ёзилган.* А. Қаҳҳор, Қизлар. *Асли бу кампир яхшиликни бил-*

майдиган нарса. Домовойдан ҳам бир амаллаб ўтказардим. С. Аҳмад, Сайланма.

ДОМОД [*ф.* داماد – куёв, қаллиқ] *шв. айн.* **куёв.** *Доктор хотин кулди: -Иби, мен сени домод қилмоқчиман-ку!* «Ёшлик». *Дастлаб шаҳар аҳли уни «Ўртоқ муҳаррирнинг домоди» деб айтарди.* М.М.Дўст, Лолазор.

ДОМОНГИР *қ.* **домангир.** *Эй, буларни қўйинг. Мендан домонгир бўлиб юришмасин.* «Ёшлик». *Кейин бир-биримиздан домонгир бўлиб юрадиган иш бўлмасин.* М. Мансуров, Ёмби.

ДОМУЛЛА [*ф.* + *ҳинд.* دادا – ота, катта + *а.* ملا – ўқитувчи; руҳоний олим] **1** Диний мактаб муаллими. *Сайфулла мачитга бориб, домулласидан сабоқ олиб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Домулласан, илмингдан садаға, яхшилаб ўқитгин энди беҳроқ.* «Эрали ва Шерали».

2 Мадрасани битирган мулла киши. *Хон мулла Ниёз домуллага қаради.. Домулла Ниёз Анвар тарафидан дуога қўл очди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Домулла имом Масжидда имомлик қилувчи мулла. **Домулла почча** Имом домуллага ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли. *Чарчамайсиз, домулла почча, фақат қуруқ қошиқ оғиз йиртади, холос.* Ҳамза.

2 *этн.* Духонлик, иссиқ-совуқ қилиш билан шуғулланувчи шахс. *[Юсуфбек ҳожи Ўзбек ойимнинг] Доимо иссиқ-совуқчи домулла, хўжаларникида бош оғритиб юришини ҳам билар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *с.т.* Ўрта ва олий мактаб ўқитувчиси; илмий раҳбар, устоз. *Қудрат уни Ольга Петровна билан таништириб: -Мана сизга домулла, шу кишида ўқийсиз, – деди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Иброҳимов домулласи Иван Петровичнинг уруғчилик совхозига келганини эшитиши биланоқ, бутун материалларини олиб жўнади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДОН I [*ф.* دان – уруғ, тухум; дона] **1** Бошоқли ва дуккакли ўсимликлар маҳсулининг бир донаси. *Буғдой дони. Маккажўхори дони. Деҳқон ишлаб дон сочар, Элюртига нон сочар.* Мақол. *Арпанинг дони бўлгунча, Буғдойнинг сомони бўл.* Мақол. ▬ *-Бир қумурсқа бир дона донни тортса, иккинчи қумурсқа орқадан итариб, унга ёрдам беради-да, – деди бир деҳқон.* С. Айний, Қуллар.

2 Шундай маҳсул мажмуи, йиғиндиси; ғалла. *Бирида улов бўлса, экиш учун дони йўқ, дони борида улов, ер йўқ.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Энди меҳнат кунига ҳам оз-моз дон тегса керак.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бошида отаси, уйида қопда дони бўлса, булар шу ерда ўтирармиди.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 Паррандаларга бериладиган шундай овқат, озуқа; (сочиладиган) дон-дун. *Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон.* «Қанотли сўзлар». *Болали она нонга тўймас, Болали ғоз – донга.* Мақол. ▬ *Эй, дўстим, ҳозир-чи, тухум қилмайдиган товуққа ҳеч ким дон бермайди.* Шукрулло, Сайланма. *Онаси.. тўр ортидаги товуқларга дон сочарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Дон олишмоқ Бирор кимса билан яқинлик қилмоқ, интим муносабатда бўлмоқ; ўйнаш бўлмоқ. *Ойим тирикликларида ҳам дадам Зумрад кампир билан дон олишиб юрардилар.* С. Аҳмад, Юлдузлар. *-Бир-бири билан дон олишиб қолган бўлса.. сиз билан биз.. қуда бўлишдан бошқа иложимиз йўқ, – деди Салим бобо.* С. Аҳмад, Чўл оқшомлари. **На дон, на сомон** Ҳеч нарсага ярамайдиган нарса ёки кимса ҳақида. *Ўзи, баъзи рецензиялар бўлади, ўқисанг – на дон, на сомон.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ДОН II [*исп., итал.* don < *лот.* dominus – жаноб] Испанияда ва испан тилида сўзлашувчи бошқа мамлакатларда: эркак исми олдидан қўйиб, унга ҳурмат билан мурожаат қилишда қўлланадиган сўз; Италияда: руҳонийлар ва дворянларнинг фахрий унвони.

ДОНА [*ф.* دانه – дон, ғалла; -та, нафар] **1** Саноқ сонлардан кейин келиб, миқдор билдиради. *Бир дона гугурт чўпи. Беш дона тухум. Бир дона кўсак.* ▬ *Раъно онасининг сўзи билан қутидан беш-олти дона нон олиб, дадасининг қўлига берди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Дон, уруғ. *Анор донаси. Маккажўхори доналари. Қорамуғ донаси бўлгунча, буғдойнинг сомони бўл.* Мақол. *Боламнинг боласи, қандак ўрикнинг донаси.* Мақол. ▬ *Анор доналаридек ширин сўзларинг.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 Сочилувчан нарсаларнинг ҳар бир юмалоқ бўлаги, зарраси. *Қум доналари. Мунчоқдек тер доналари. Марварид доналари.* ▬ *Сулув сочлари тўзғиган ҳолатда югуриб кириб, ёмғир доналари юмалаб турган юзини*

отасининг майин елкасига босди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Нос сочилиб, унинг бир неча донаси сакраб-сакраб, стол тагига кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Зарралар, бўлаклар, қисмлардан тузилган нарсанинг ҳар бир зарраси, қисми. *Ҳар қандай материя алоҳида доналар йиғиндисидан тузилади.* "Қизиқарли геометрия". *Мирзакаримбой.. тасбеҳ доналарини бармоқлари орасидан битта-битта ўтказиб, чордона қуриб ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Шахмат, шашка ва ш. к. ўйинларда ҳар бир сипоҳ, пиёда ёки тўгаракча. *Баъзан рақибнинг икки донасига бирданига ҳужум қилинади.* «Фан ва турмуш». *Бири газета ўқиса, бири китоб варақлар, бири шашка ўйнаса, бири шахмат донасини сурар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

6 Чўтнинг тугмасимон қисми. *Чўт доналари шақир-шуқур бўлиб қолди.* «Муштум».

ДОНАБАЙ [дона + *а.* بیع – сотиш, савдо] Доналаб байлашиладиган ёки доналаб бериладиган (олди-сотди муомалаларида ёки иш ҳақи белгилашда). *Улгуржи олиб, донабай сотмоқ. Донабай ҳақ тўламоқ. Кунбай ишлашдан донабайга кўчиш натижасида иш ҳақи ошди.*

ДОНА-ДОНА 1 Зарралар, доналарга ажралиб турадиган, ҳар бир донаси алоҳида-алоҳида бўлиб турадиган. *Дона-дона тишлар.* ▬ *Исириқ донаю дона, Тутунидан тўлсин хона.* «Бойчечак». *Ойниҳолнинг ёна-ёна Холлари бор дона-дона.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 *рвш. взф.* Якка-якка, битта-битта; доналаб. *Гул уздим дона-дона.* "Фольклор". *У оппоқ рўмолчаси билан кўзларидан дона-дона оқиб тушаётган ёшини артиб, титроқ овоз билан жавоб берди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *рвш. кўчма* Аниқ, равшан, тушунарли. *Жўрахон адиб саволларига дона-дона қилиб жавоб қайтарди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Мутриб ёстиқ тагидан найча қилиб ўралган қоғоз олди, чиройли қироат билан дона-дона қилиб ўқишга тушди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ён дафтардан йиртиб олинган катак чизиқли бир варақ қоғозга йирик ҳарфлар билан, дона-дона қилиб биноларнинг адреси ёзилган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ДОНАДОР [*ф.* دانه‌دار – донли; данакли; донали] Бўлак ёки зарралари дона-дона бўлиб турадиган, маълум доналардан таркиб топган. *Донадор тупроқ.* ▬ *Ер чуқур ҳайдалгандагина тупроғи майин ва донадор бўлади.* Газетадан. *Донадор мурч кўпчиликка дамланадиган катта паловга солиб пиширилади.* Газетадан.

ДОНАЛАБ *рвш.* **1** Ҳар бир донасини алоҳида, дона-дона қилиб; битталаб. *Доналаб санамоқ. Доналаб сотмоқ.*

2 *кўчма* Аниқ, равшан, тушунарли қилиб. *Доналаб ўқимоқ.* ▬ *..хаёл суриб қолди, қўли билан столни чертиб: -Ҳа, исботламоқ зарур, — дея қайтарди сўзларини доналаб.* С. Кароматов, Олтин қум.

ДОНАЛИ 1 Маълум, белгили доналардан иборат бўлган. *Эллик икки донали карта.*

2 *айн.* **донадор.** *Майда донали чўян (тех.).*

3 Доналаб сотиладиган. *Донали моллар.*

ДОНАЧА 1 Майда, кичкина дона, заррача. *Қум доначалари.* ▬ *Йўлак бизни оқ мармардек ярақлаб турган, тепадан зилол доначалар томаётган улкан ғорга олиб кирди.* Газетадан.

2 *шв. айн.* **тошма.** *Марзиянинг юзига донача чиқибди.*

ДОНАШЎР(А) [*ф.* دانه‌شوره – тузли дон] Мол ейдиган бир турли ёввойи ўсимлик. *Куз фаслида қўйларнинг иштаҳаси очилиб, донашўр.. сингари донли ўтларни жуда севиб ейди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

ДОНАШЎРАК Туз аралаштириб қоврилган данак, мағиз.

ДОНГ I (3-*ш. бирл.* **донғи**) Шон-шуҳрат, довруқ, машҳурлик. *Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас.* Мақол. *Жоҳилликдан жон чиқар, Қобилликдан донг чиқар.* Мақол. ▬ *Гулраънонинг бўйи етиб, донғи бутун қишлоққа тарқалди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Олтин кузимиз ўзининг саховати билан оламга донг таратган.* Газетадан.

ДОНГ II: **донг қотиб ухламоқ** *ёки* **донг қотмоқ** Жуда қаттиқ ухламоқ. *Йўл азоби хийла толиқтирган экан, донг қотиб ухлаб ётса, ўғри кириб уйғотибди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Боши ёстиққа тегиши билан донг қотиб ухлаб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Нозима ёстиқни ушлаганча донг қотди.* «Ёшлик». **Донг қотиб қолмоқ** Ҳайрат ёки қўрқувдан эс-ҳуши қочиб, серрайиб қолмоқ. *Мунисхон нима қилишини билмай, донг қотиб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Темур Малик бу гапларни эшитгач, донг қотиб қолди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ДОНГ III Вьетнам Социалистик Республикасининг пул бирлиги.

ДОНГДОР Донг чиқарган, довруғи кетган; шуҳратли, машҳур. *Донгдор механизатор. Донгдор врач.* ▬ *Унинг шеърларидаги фасоҳат, топқирлик, бу йигитнинг қувваи ҳофизаси донгдор шоирни мафтун этди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Барҳаёт Ойбек бу — қутлайди мамнун, Қутлар Ғафур Ғулом — донгдор замондош.* А. Орипов, Йиллар армони.

ДОНГЛИ *айн.* **донгдор.**

ДОН-ДУККАКЛИ: дон-дуккакли экинлар Дони учун экиладиган дуккакли ўсимликлар.

ДОН-ДУН Дон ва бошқа хил донлар, ғалла. *-Тўй учун дон-дун тайёр. Фақат кийимларни тиктирсак бас, — деди Ўтбосар.* Ғайратий, Довдираш. *У.. дон-дуннинг қимматлашиб бораётганидан гапирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бир оз дон-дун ола келдик, жиндак бўлса ҳам дармон-да.* Уйғун, Асарлар.

ДОНЖУАН [испан афсоналари ва айрим ёзувчилар асарлари қаҳрамони Дон Жуан номидан] Аёлларни йўлдан оздирувчи, севги саргузаштлари ишқибози; хотинбоз, хотинпараст. *Баъзиларнинг бесабаб хотин олиб, хотин қўйишлари, донжуанларнинг кирдикорлари.. қулоққа чалиниб туради.* Уйғун, Замон талаби.

ДОНЖУАНЛИК Донжуанларга хос бўлган хатти-ҳаракат, хотинпарастлик.

ДОНИШ [*ф.* دانش — билим, фан; таҳсил, сабоқ] *кт.* Табиат ва жамият ҳақидаги билим, маълумот; тўпланган илм. *Навоий юрагига жонбахш ғазал жо этган, Ибн Синодай донишни яратган, Нодирани камол топтирган — Она!* "Гулистон".

Аҳли дониш Илм аҳллари, билимдон кишилар. *Сир ёқасидаги Фороб қишлоғининг мардуми Муҳаммад аҳли дониш орасида жумла жаҳонга маълум ва машҳур эди.* А. Мухтор, Чинор. *Қадимдан аҳли дониш, олиму фозиллар, шоиру ёзувчилар, алломалар бир шаҳарга тўпланиб яшашлари расм бўлган.* «Ёшлик».

ДОНИШМАНД [*ф.* دانشمند — олим, билимли, доно] Мавжуд илму ҳикматларни эгаллаган, баъзи воқеа-ҳодисалар ҳақида олдиндан башорат қила оладиган; билимдон; олим; доно. *Донишманд одам. Жасурни — жангда, донишмандни — ғазаблангaнда, дўстни муҳтожликда сина.* Мақол. ▬ *Тирикликнинг белгиларидан бири — муҳаббат, деб бекор айтмаган донишмандлар.* Шукрулло, Сайланма. *Бир донишманд: "Соли нек аз баҳор маълум аст", яъни "йилнинг яхши келиши баҳордан маълум", деб айтган экан.* С. Аҳмад. Қадрдон далалар.

ДОНИШМАНДЛИК Ўқимишлилик, билимлилик, донолик. *Халқ донишмандлиги кишини лол қолдиради.* Газетадан. *Бу донишмандлик эмас, қизим..* Уйғун, Асарлар.

ДОНЛАМОҚ Донларни териб емоқ (қушлар ҳақида). *Йўлда донлаб юрган сўфитўрғайлар отлардан ҳуркиб, нарироққа бориб қўнар, отлар етай-етай деганда, ҳуркиб, дув этиб учиб кетарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шудгорда аллақанча оқ, кўкиш хонаки каптарлар донлаб юрибди.* Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор.

ДОНЛАШМОҚ 1 Кўп, бир гала қушларнинг дон териб ейиши. *Қушларнинг ҳаммаси Олимнинг оёқлари остида бемалол донлашар, ундан сира қўрқишмасди.* Ғайратий, Карқулоқ.

2 *айн.* **дон олишмоқ** *қ.* **дон.** *Ҳайдар акам билан қачондан бери донлашасан? Яширмай, тўғрисини айтавер.* В. Ғофуров, Вафодор. *Студентлигида бир қиз билан донлашиб юрди. Қиз ниҳоятда чиройли эди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ДОНЛИ 1 Дон солинган, ичида дони бор (идиш ҳақида). *Донли қоп.*

2 Ғалла берадиган, дон етиштириш мумкин бўлган. *Донли ўсимликлар.*

ДОНЛИК 1 *айн.* **донли.** *Кампирнинг дарди ғўзада, сичқоннинг кўзи донлик кўзада.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Экиш учун, уруғликка мўлжалланган дон. *Яна қанча донлик керак экан, ҳеч тортинмай айтаверинглар.* Газетадан.

3 Дон солиб қўйиш учун мўлжалланган идиш. *Буғдойни донликка солиб қўймоқ.*

ДОННА, донья [*итал., исп.* donna — хоним] **Дон** II сўзининг обрў-эътиборли аёлларга нисбатан қўлланадиган шакли.

ДОНО [*ф.* دانا — билувчи, билимдон, донишманд] **1** *от.* Ақл-заковатли, донишманд, оқил. *Доно қиз. Доно раҳбар. Айтгувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно керак.* Мақол. *Нодон сўзлар — доно ибрат олар.* Мақол. ▬ *Донoнинг алами тез тарқайди.* «Ёшлик». *Аҳмоқлар билан кулишгандан кўра, донолар билан йиғлашган афзал.* Газетадан.

2 *сфт.* Ақл-заковат билан айтилган, қилинган; ақл-заковатдан далолат берадиган; оқилона. *Доно маслаҳат. Она тилим – доно тилим.* Мақол. ▬ *Жуда доно гапларни айтдингиз.* С. Аҳмад, Юлдузлар.

ДОНОЛИК 1 Ақлу заковатга эгалик, билимдонлик, донишмандлик. *Доно қариса ҳам, донолиги қаримас.* Мақол. *Қариликни донолик безар, Ёшликни – камтарлик.* Мақол. ▬ *Фикримни дарҳол қувватлагани ақли расолигидан, донолигидан далолат беради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Доноларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Донолик қилмоқ.*

ДОНОР [< *лот.* donare – совға қилмоқ, қурбон қилмоқ] *махс.* Ярадор ва беморларга қуйиш учун ўз қонини ёки бошқа, бемор шахсга кўчириб ўтказиш учун бирор аъзосини берувчи киши. *Донор аёл.* ▬ *Қон берувчини – донор, қон олувчини реципиент деб аташади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ДОНОРЛИК Беморларга ўз қонини бериш билан шуғулланишлик, донор бўлишлик.

ДОНФУРУШ [*ф.* دانفروش – дон, ғалла сотувчи] Ғалла маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи шахс. *Шаҳардан қайтаётган ўрикфуруш ҳам, майизфуруш ҳам, донфуруш ҳам эндиликда унинг карвонсаройида тунаб, қовоқхонасида кайф қилиб кетади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДОНХОНА Дон-дун, озуқа сақланадиган махсус хона, дон омбори; ғаллахона. *Офтоб ойим донхонанинг эшигидан туриб, хотинлар орасидан кимнидир ўз ёнига чақирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳовлида одам борки, жон бор. Девордан тортиб довдарахтгача, ..ошхонадан тортиб донхонагача, рўзғор буюмларигача – бари одам тафтидан тирик.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДОНХЎР [*ф.* دانخور – дон еювчи] Асосан дон еб яшовчи. *Донхўр паррандалар.*

ДОНХЎРАК Қафасда сақланадиган парранда ва қушлар учун дон солиб қўйиладиган махсус идиш. *Жўжалар донхўракдан дон ейишга тезда ўрганади.* «Зоология». *Куркалар учун донхўракларнинг турли хиллари ишлатилади.* «Ўзбекистон паррандачилиги».

ДОНҒ I *айн.* **донг.** *Ботир ўтса, донғи қолар, Пода ўтса, чанги қолар.* Мақол. ▬ *Подшонинг донғи ўтирганлар ичида оғиздан оғизга кўчди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ДОНҒ II: **донғ қотмоқ** *айн.* **донг қотмоқ.** *..ойни пойлаб ётган чол саҳарга борганда, уйқу элтиб, донғ қотди.* «Эртаклар».

ДОНҒ III *тақл. с.* Металлар бир-бирига урилганда чиқадиган товуш ҳақида. *Темир донғ этиб урилди.*

ДОНҒИЛ *кам. қўлл.* **1** Кенг ва равон. *Олдинда олис, лекин ёруғ ва донғил бир йўл.* Миртемир, Асарлар.

2 Очиқ, баҳаво. *Кўзларим ўнгида у яшил ошён, Дала ўртасида кенг, донғил айвон.* Миртемир, Асарлар.

ДОПИНГ [*ингл.* doping – наркотик истеъмол қилиш < dope – наркотик бермоқ] Спорт ўйинлари натижаларини яхшилаш мақсадида қўлланадиган, организмнинг жисмоний ва руҳий фаолиятини вақтинча кучайтирадиган моддалар; стимуляторлар.

ДОР I [*ф.* دار – дарахт, дарахт танаси; тўсин, устун] **1** Устига кийим-кечак, мол ташлаб қўйиш учун икки устун (қозиқ) орасига қўндаланг ўрнатилган ходача ёки тортилган арқон (ип). *Ёшгина бир жувон дорга кир ёяди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Деворга қоқилган қозиқ ва михларда болаларнинг камзул, кўйлаги, дорда паранжи ва аёл мурсаги осиғлиқ эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ўлимга маҳкум этилган кишини осиб ўлдириш учун ясалган махсус қурилма. *Дорга осмоқ (ёки тортмоқ). Бевафо ёр – жонингга дор.* Мақол. ▬ *Эсингизда борми, мени дор остидан қутқариб, менга янги ҳаёт бағишлаганингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Ноҳақлик, адолатсизлик рамзи. *[Навоий:] Замон донога дор, жоҳил учун ёр.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

4 Тик ўрнатилган иккита ёғоч ва унга боғлаб таранг тортилган арқон ва чиғириқлардан иборат, дорбозлик ўйинлари, машқлари бажариладиган қурилма. *Дорбоз дордан ўлар, морбоз – мордан.* Мақол. ▬ *Бу ерда дор, кураш, қўғирчоқ ўйинидан ташқари туя уриштириш, халқ ўйинларининг барча турлари ижро этилмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 *кўчма* Юксак мақсад, мансаб; орзу-истак. *Осилсанг, баланд дорга осил, Оёғинг ерга тегмасин.* Мақол. ▬ *Сиз ўз устангизнинг қизига етолмаган бўлсангиз, бу мен осилган дор жудаям баланд-ку; бу ёғи қан-*

доқ бўларкин, ака? К. Яшин, Ҳамза. *Билиб туриб баланд дорга осилдик, айб ўзимизда.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Дор тагидан (*ёки* **дордан) қочган** Ўтакетган муттаҳам, фирибгар одам ҳақида. *Яна айтманг: бири муттаҳам, бири ўғри, бири дордан қочган!* Уйғун, Асарлар.

ДОР II [*а.* دار – уй, жой; макон; бино] Арабча қўшма сўзлар – таркибида аниқлик артикли ال бўлган изофали бирикмаларнинг биринчи қисми; уй, маскан, макон маъноларини билдиради, мас., *дорулбақо, дорулфано.*

ДОРБОЗ [*ф.* دارباز – дор(да) ўйновчи] Дорда ўйновчи, ўйин кўрсатувчи киши. *Дорбоз узун лангарни ушлаб, арқондан юқорига ўрмалаб бормоқда, ўмбалоқ ошиб ўйнамоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қиличнинг дамидай арқон устида Кўзларини юмиб юрибди дорбоз. Булутларга ёндош осмон остида Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.* А. Орипов, Митти юлдуз.

ДОРБОЗЛИК Дорбоз ҳунари, фаолияти; дорда ўйнаш. *Дорбозлик инсоннинг диди ва ақл-идроки яратган қадим санъатлардан биридир.* М. Қодиров, Асака дорбозлари. *-Опажон, дорбозлик – жонбозлик деб қўйибдилар. Дорбозликда ҳийлагарлик кетмайди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ДОР-ДУНЁ [*ф.* دار-دنیا – жаҳон, коинот] Дунё, олам. *Бечора қиз, шундай хафа, шундай хафа! Дор-дунёси қоп-қоронғи!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ДОРИ 1 [*ф.* دارو – дори-дармон; даво, малҳам] Касални даволаш ёки касалликнинг олдини олиш учун ишлатиладиган, табиий ёки кимёвий йўл билан олинган модда. *Безгак дори. Малҳам дори. Дори ҳиди. Дори қўймоқ (суртмоқ). Дори тайёрламоқ. Дард чекмаган дори қадрини билмас.* Мақол. ▬ *Синтетик дориларга нисбатан ўсимликлардан олинган дорилар афзал тутилади.* Газетадан.

2 Наркотик модда (қорадори, наша ва б.). *Ортимиздан кўчага кузатиб чиққач, Аҳмад Зокирни четга тортиб, паст овозда: -Қишлоқда "дори"дан топиладими? – деб сўради.* «Ёшлик». *Анави қора дорингдан мошдай бериб кет-да, бир ҳаз этай.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Умуман шифобахш нарса, восита. *Тушнинг оши тишга дори.* Мақол. ▬ *Кигиз куйдириб босмаса, қони тўхтамайди! Кигиз ҳар нарсага ҳам дори, тиш заҳарини сўради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Асал кўзнинг хиралашишига дори.* «Фан ва турмуш».

4 *кўчма* Руҳий дардга дармон бўладиган, ғам-ғуссани тарқатадиган нарса, даво. *Сизнинг гапингиз менинг кўнглимга дори бўлди.* ▬ *Тошкент йўли Чирчиқдан нари дейди, Қизнинг сўзи йигитга дори дейди.* «Оқ олма, қизил олма».

5 *с.т.* Текинхўр (паразит) ёки зараркунанда, касал тарқатувчи ҳашаротларга, кемирувчиларга қарши ишлатиладиган кимёвий модда. *Бурга дори. Куя дори. Сичқон дори.* ▬ *Самолёт дала қирғоғига сўнгги марта дори сепиб ўтди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бу йил дори ўрнига далаларга ҳашарот кушандасини қўйиб юборишди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

6 Заҳар. *[Мастура Гулжонга:] Кундошларнинг ҳам хабари бор. Ҳаммаси бамаслаҳат дори берган-да!* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бой атайин дори бериб қўйган эмиш, деб эшитдик.* С. Зуннунова, Олов.

7 *с.т.* Турли технологик жараёнларда ишлатиладиган кимёвий доривор моддалар.

8 *кўчма с.т.* Спиртли ичимлик. [*Қори кулиб:*] *Ё томоқларингдан қуруқ ўтмаётибдими? Пича дори олиб келайми?* Уйғун, Дўстлар. *Ухлаганим й-й-йўқ, ҳез, дорингдан қуй-чи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 *с.т.* Портловчи модда, порох. *Туячиларнинг ҳаммасида дориси оғзидан тиқиб отиладиган милтиқ бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *..уларнинг кал бошларини милтиқ дориси билан даволаймиз.* С. Айний, Қуллар.

10 *кўчма* Чора, тадбир, йўл; восита. *Хўш, нега энди порахўрликка қарши дори ишлаб чиқармас эканмиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ҳамкасбларимизни тўғрилик ва ҳалоллик дориси билан даволаймиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ДОРИВОР [*ф.* دارووار – шифобахш, дори бўладиган] **1** *сфт.* Турли касалликларга дори бўладиган ёки дори олинадиган. *Доривор ўсимликлар. Доривор моддалар.* ▬ *У доривор гиёҳларни тоғма-тоғ юриб топиб келар, қуритар, катта-кичик ҳовончаларда янчиб туяр – дори тайёрлар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўсимликлар доривор моддалар манбаидир. Шундай моддалардан бири гул нектаридир.* «Фан ва турмуш».

2 Овқатни ва овқат маҳсулотларини хушхўр қиладиган моддалар (зира, зирк, зарчува, қалампир ва ш.к.). *Мурч зираворгина эмас, доривор ҳамдир: у овқатни яхши ҳазм қилдиради, терлатувчи хусусиятга ҳам эга..* Газетадан. *Супанинг бир томонини қоғозга ўралган мурч, зарчува, қалампир, зира сингари дориворлар, кашнич, кўкпиёз, жамбил сингари кўкатлар банд қилган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Улар [савдогарлар] Россия бозорларига Ҳиндистон дориворлари, Самарқанд, Бухоро косиблари тўқиган шойи, атлас, зарбоф, кимхоб, бахмал олиб борар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

3 *с.т.* Турли технологик жараёнларда ишлатиладиган моддалар. *Кўнчилик дориворлари.* ■ *..бегона ўтларни пуркаш йўли билан йўқотиш мақсадида кимёвий дориворлардан фойдаланиш керак.* Газетадан.

ДОРИГАР [*ф.* داروگر – дори тайёрловчи, дори сотувчи] Дорилар тайёрловчи мутахассис; доришунос, фармацевт.

ДОРИ-ДАРМОН *айн.* **дори 1.** *Ўрик мағизидан ёғ олинади ва овқат учун ишлатилади, дори-дармон қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари. *Дарҳақиқат, асал ер юзининг кўп жойларида дори-дармон сифатида қўлланганлиги ҳам бежиз эмас.* М. Тўйчиев, Асаларичилик.

ДОРИЛАМОН, доруламон [*а.* دارالامان – осойишталик уйи] Тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурган жой, осойишта жой. *Самарқандда инқилоб бўлганмиш. Дориламон дейишади, шу ростми?* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Заррин ва нафармон нурларга кўмилган бу дориламон маскан улар бахтидан мунаввар эди.* Ш. Рашидов, Асарлар. *Таассуфлар бўлсинким, бу дориламон кунларнинг қадрига етмаётган ношукур бандалар бор.* Газетадан.

ДОРИЛАМОҚ Дори сепмоқ, дори пуркамоқ; тегишли дорилар билан ишлов бермоқ. *Агрономлар чигитни саралаб, дорилаб бердилар.* С. Айний, Қуллар. *Ёш жарроҳ.. яраларни усталик билан тикди, дорилади, боғлади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ДОРИЛБАҚО, дорулбақо [*а.* دارالبقا – боқийлик макони; нариги, у дунё] *дин.* Нариги дунё, охират. *зид.* **дорилфано.** *Иягини танғиб қўйинглар, дорилбақога жўнади эшон!* М. Осим, Карвон йўлларида. *Олтинларни дорилбақога кўтариб кетаман, дедингми?* К. Яшин, Ҳамза.

ДОРИЛМУАЛЛИМИН, дорулмуаллимин [*а.* دارالمعلمين – муаллимлар уйи] *эск.* Ўқитувчилар тайёрлаш билим юрти, педагогика институти. *Мен муаллимлар тайёрлайдиган дорилмуаллиминга кирдим.* «Ёшлик». *Ота уни Истамбул дорилмуаллиминида сабоқ олиш учун жўнатган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ДОРИЛФАНО, дорулфано [*а.* دارالفنا – ўлим, йўқлик макони] *дин.* Бу дунё; ўткинчи дунё. *зид.* **дорилбақо.** *..волида ҳам дорилфанодан дорилбақога рихлат қилдилар.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. *Гўрков чол гувалани олиб, гўр туйнугига қўя бошлади.. қад кўтара бошлаган деворнинг бу тарафи – дорилбақо, у тарафи – дорилфано.* «Ёшлик».

ДОРИЛФУНУН [*а.* دارالفنون – фанлар уйи, маскани]**, дорулфунун** *эск.* **1** *айн.* **университет.** *Муаллимнинг маслаҳати билан шаҳар дорилфунуни қошидаги адабий тўгаракка қатнай бошладим.* М.М.Дўст, Лолазор. *Тошкент маърифат бўсағасидир, ўнлаб дорилфунун гўё офтоб.* Ғ. Ғулом.

2 *кўчма* Ҳаёт мактаби, ҳаёт, турмуш тажрибаси. *Таажжуб қиламан тақдиригаким, Жафою ғам бўлмиш дорилфунуни.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ётлар эшигида юрди хору зор, Унга дорилфунун бўлди шу ҳаёт.* Р. Бобожон, Танланма.

ДОРИЛХАЛОФАТ [*а.* دارالخلافت – халифалик пойтахти]**, дорулхалофат** *эск. кт. айн.* **пойтахт.** *Дорилхалофат фуқароси қошига етгач, фақир [мен] уларни қувонтирмоқдан ожиз қолгаймен.* Ойбек, Навоий.

ДОРИМОҚ *шв.* **1** Бирор томон қадам босмоқ, яқинлаб келмоқ, ораламоқ. *Қадам босмади инсон, Доримади ҳеч ҳайвон.* Ҳ. Олимжон. *Сиз бор – бизга хавф-хатар доримиди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Бировга бошда, бировга оёқда бахт дорийди дейдилар.* «Тоҳир ва Зуҳра».

2 Намоён бўлмоқ, кўринмоқ; югурмоқ, ёйилмоқ. *Насриддиннинг юзига табассум дориди.* З. Аълам, Афандининг қирқ бир пашшаси. *Чолнинг юзига қувонч дориди.* «Шарқ юлдузи».

3 Ёпирилиб келмоқ, босмоқ. *Ўн азамат, Холдорхон, Оч бўридай дориди, Душманларнинг қонини Бўз тупроққа қориди.* «Хушкелди». *Ёқиб юборишса-ку, ойнадай бўлади, пашша, чивинлар доримайди!* С. Нуров, Нарвон.

4 *кўчма* Таъсир қилмоқ, сеҳрламоқ; сингимоқ, тарқалмоқ. *Шоир деб шуни айтинг, сўзи халқига дориса.* «Оқ олма, қизил олма». *Ромчига қаратишса, "дев дорибди" деган эмиш.* «Муштум».

5 *кўчма* Йўл олмоқ, жўнамоқ. *Қизим, мен ҳам каридим, Гўрга томон доридим.* Ҳ. Олимжон. *Отам қирқда юк кўтарган нор эди, Етмишида гўристонга дориди.* «Бўтакўз».

6 *кўчма* Тенг келмоқ, бас келмоқ. *Элатида белгили қайсар эди, Даҳ деганда қирқ мингига дорирди.* «Алпомиш».

ДОРИНОМА [*ф.* دارونامه – дори ёзилган қоғоз] Беморга врач томонидан буюрилган дори-дармон ёзилган қоғоз; рецепт. *Оддий далил: бемор шифокор олдига бориб, доринома ёздириб олди дейлик.* Газетадан.

ДОРИССАЛТАНА(Т), доруссалтана(т) [*а.* دارالسّلطنه ва دارالسّلطنت – салтанат макони, пойтахт] Султон пойтахти, олий ҳукмдор қароргоҳи. *Шоҳим! Сиздан ўтинчим бор, бир фармони олий берингким, токи алар [Аваз] ҳам жумлаи мўмин каби дориссалтанатингизда эмин-эркин юрсинлар.* С. Сиёев, Аваз. *Биз Самарқанддай дориссалтанатга муяссар бўлганимиз учун шукроналар айтмоғимиз керак.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ДОРИТОМИЗҒИЧ Кўз (қулоқ, бурун ва б.)га суюқ дори томизиш учун мўлжалланган, учи ингичка ва охирига резина трубка (қалпоқча) кийдирилган кичкина шиша найча; пипетка.

ДОРИФУРУШ [*ф.* داروفروش – дори сотувчи] Дорини тайёрлаб сотиш ёки фақат сотиш билан шуғулланувчи шахс. *Мутриб дорифуруш отасидан қолган юпқагина мерос билан аранг тирикчилик ўтказарди.* С. Сиёев, Аваз.

ДОРИФУРУШЛИК Дори-дармонларни сотиш иши билан машғул бўлиш; дори сотувчилик касби. *-Энди Зулунбек билан дорифурушлик қиламиз. Биласизми, почча, сулфидиннинг ўн грамми неча пул? Икки минг сўлкавой, – деди Лобар Карвонга.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ДОРИХОНА [дори + хона] Дори тайёрланадиган ва сотиладиган жой; аптека. *Сотиболдининг хотини дорихонада ишлайди, ҳар куни мингта одам билан жавоб-муомала қилади.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Нусратнинг димоғига тер, бензин, дорихона ҳиди урилди.* С. Нуров, Нарвон. *Кейинги йилларда Пойканд харобаларидан 8-асрга мансуб дорихона қазиб очилди.* «Фан ва турмуш».

ДОРИШУНОС [*ф.* داروشناس – дориларни ўрганувчи] Дори-дармонларнинг янги хилларини яратувчи, кашф этувчи ёки уларнинг шифобахшлигини ўрганувчи мутахассис, фармацевт. *Дастлаб немис доришуноси Сертюнер 1806 йили кўкноридан морфин алкалоиди олди.* «Фан ва турмуш». *Шуҳрат Аббосов киночи эмас, доришунос бўлмоқчи эди аслида.* Газетадан.

ДОРИШУНОСЛИК Тиббиётнинг дори-дармонларнинг хусусият ва хосиятларини ўрганувчи соҳаси; фармацевтика. *Доришунослик соҳаси. Доришунослик саноати.* ▬ *Тиббиёт ва доришунослик фанлари республикамизда кейинги йилларда айниқса тез ривожланади.* «ЎТА».

ДОРИШШИФО [*а.* دارالشّفا – шифо, даво маскани]**, дорушшифо** Шифо маскани, касалхона. *У оқ халат кийиб, дорушшифода Афғон боласига қўярди малҳам.* Э. Воҳидов, Келажакка мактуб.

ДОРОЙИ I [*ф.* دارایی – йўл-йўл ипак мато: Ахамонийлар сулоласининг подшоҳи Доро номидан] Ўриши хом ипак, арқоғи ишқорланган ипакдан тўқилган сербар ҳарир газлама ва ундан тайёрланган кийим-кечак. *Доройи кўйлак.* ▬ *Хосият биби оқ доройи рўмолининг учларини икки елкасига ташлаб.. гурунгга аралашмай ўтирибди.* И. Раҳим, Ихлос.

ДОРОЙИ II [*ф.* دارایی] Эртапишар, жайдари узум навларидан бири.

ДОРПЕЧ [*ф.* دارپیچ – дор ёпқичи, ўрамаси] Дорга осиб қўйилган кийим-кечакнинг устига ёпиладиган безакли буюм. *Учтўрт уйни ясатишга етадиган дорпечлар, гулкўрпалар, чойшаблар.. Лутфинисо ва унинг қизини ҳам қаноатлантирган эмасди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[У] Деворлардаги ранги ўчган дорпеч, сўзаналарга тикилади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ДОРУ *эск. кт. айн.* **дори.** *Ёру биродарлик – умр доруси; Дўстсиз кимнинг бағри бутун бўлади.* С. Акбарий. *Йўқ, текин томоқ, текин дору берадиган хастахона очармиш.* С. Сиёев, Аваз.

ДОРУҒА [*т.-ф.* داروغه < *мўғ.* «дарга» – раис, бошлиқ; «дарах» – тобе қилмоқ, енгмоқ] *тар.* Шаҳар посбонлари сардори;

бош миршаб, шаҳар идораси бошлиғи. *Анов қашқа йўрғада жилпанглаган амалдор шаҳар доруғасининг амакиваччаси Шоди бедоддир.* Ойбек, Навоий. *Ниятингиз таҳсинга сазовор, жаноб Ҳасанбек. Аммо сиз доруғасиз. Сиз аввал шаҳардаги ғулуни бартараф қилинг, фитнанинг уясини топинг..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Доруға ҳақи *айн.* **доруғона.** *Бу хирмондан.. сизга ўндан уч тегади. Бунинг устига.. доруға ҳақини ҳам сизга ўтказаман.* С. Айний, Қуллар.

ДОРУҒОНА [*ф.* داروغانه < *мўғ.* «дараху»] *тар.* Шаҳар посбонлари, бошлиғи фойдасига йиғиб олинадиган пул ёки бошқа нарса; доруға ҳақи. *[Жалолиддин:] Хазинани бойитаман деб, халқни гадо қилдингиз. Улоғ деб оласиз.. доруғона деб оласиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ДОРЧИ *тар.* Осиб ўлдиришга ҳукм этилганларни дорга тортувчи жаллод. *Унинг онаси поляк халқининг.. қўзғолони чоризм жаллоди — дорчи Муравьёв томонидан бостирилгани тўғрисида.. ҳикоялар айтиб берар эди.* Газетадан.

ДОРЧИН [*ф.* دارچین] *айн.* **долчин.** *Кўзлари тийрак бир бола келиб салом бердида, икки пайса қора мурч ва тўрт пайса дорчин сўради.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ДОРЧЎП [*ф.* دارچوب — дор ёғочи] **1** Дорбоз дор устида мувозанатни сақлаш учун икки қўлида кўтариб юрадиган узун ёғоч; лангар. *Дорбоз бола дорчўпини тиззасига кўндаланг қўйиб, тепада.. дам олиб ўтирар эди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Хонада кийимларни осиб (ёйиб) қўйиш учун мўлжалланган дорнинг икки таянч ёғочи. *..мана шу шифти баланд, чор бурчагига дорчўп қоқилган улкан хонада бир вақтлар Огаҳийдек маликулкаломлар шеър ўқиган.* «Ёшлик».

ДОСКА [*лот.* discus — доира, айлана товоқ] Хат ёзиш, расм чизиш, умуман ўқув машғулотлари учун мослаб ясалган, одатда қора ёки жигар рангга бўялган силлиқ тахта. *Синф доскаси. Доскага ёзмоқ. Доскага чиқмоқ.* ▬ *Дераза билан доска орасида қўлини орқасига қилиб юриб, лекция ўқиётган.. барваста киши тўхтади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳамманинг диққат-эътибори доскадаги ёзувни дафтарга кўчириб олиш билан банд.* К. Яшин, Ҳамза.

ДОСКАЛА [*ф.* داسکاله — боғ қайчи; ўроқ] *шв. айн.* **ўроқ.** *Эргаш қўрбошини бир кампир доскала билан чопиб ташлабди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар. *Бой катта бошини кичик қилиб чиққанида, ўйлаб ўтирмасдан, қўлидаги доскала билан шартта ўша бошни бутаб ташлабди.* М.М.Дўст.

ДОСТОН [*ф.* داستان — қисса, ҳикоя; тарих] **1** *ад.* Назм билан ёзилган улкан ҳикоя, қисса; поэма. *Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони.* ▬ *Достон устида жиддий ишлай бошладим.* Шукрулло, Сайланма. *Мактаб дарсликларида унинг "Кўкан батрак" достонини алоҳида дарс қилиб ўқитишган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бир ўлкаки, дунёда бироқ Битилмаган достондир бори.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 *ад.* Халқ қаҳрамонлари ҳақида назм ва насрда айтилган эпик асар. *Ўзбек халқ достонлари. Фозил Йўлдошнинг "Алпомиш" достони.*

3 *кўчма* Кечмиш воқеалар; саргузашт; дарду ҳасрат. *Қўш сурнайлар узоқларнинг достонини мунгли-мунгли чалиб ўтдилар.* Ғ. Ғулом, Соялар. *Э, ака.. қўйинг, достонимни очманг..* Ҳамза. *Бугун занг кемирган тиғлар шуъласи, Асрлар достони бордир уларда.* А. Шер, Қадимги куй.

4 Оғиздан оғизга ўтиб юрган маълум, машҳур саргузашт ҳикоялар, гап-сўзлар, таъриф-тавсифлар. *Эл ғамини билган элда достон.* Мақол. ▬ *Келиннинг сулувлиги Марғилонда маълум эканми? -Маълум экан, тилларда достон экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тошкент тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик шаҳри сифатида тилларда достон.* «Саодат».

Достон бўлмоқ Эл орасида гапирилмоқ, куйланмоқ; оғизга тушмоқ. *Фозилжон тўйининг таърифи баъзи бир хил хотинларга неча кунгача достон бўлди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Баширжоннинг навбатдаги антиқа ишлари халқ ичида достон бўлган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Шаҳарга достон бўлган тўй ҳам тугади.* С. Аҳмад, Сайланма. **Достон қилмоқ** Бирор воқеа-ҳодисани, гап-сўзни овоза қилмоқ, эл орасига ёймоқ.

5 *кўчма* Овоз, хониш; сайраш. *Чакалакнинг аллақайси бурчагидан булбулнинг достони — нағмайи ҳазори эшитилди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

6 Достон (эркаклар исми).

ДОСТОНЧИ 1 Достон айтувчи, бахши. *Ўзбек халқ достончилари.* ▬ *Ўзи жуда фаросатли, доно, достончи чол.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Достон (поэма)лар ҳам ёзган адиб. *Эътибор Охунова шоира, очеркист, публицист, ҳикоянавис, достончи..* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ДОСТОНЧИЛИК 1 *ад.* Халқ оғзаки ижодидаги эпик анъана. *Маълумки, халқ достончилигида насрий ҳамда назмий парчаларнинг аралаш келиши табиийдир.* «ЎТА».

2 Достон айтиш, достон куйлаш фаолияти; достончи бўлишлик. *Ёдгор бахши Уста Қулай ўғли Қўрғон достончилик мактабининг бобокалонидир.* М. Қўшмоқов, Жуманбулбул.

ДОСТОНШУНОС Достонлар ва достончилик санъатини тадқиқ қилувчи мутахассис, олим. *Мен ҳам шу муаллимга ҳавас қилиб, насиб этса, албатта, достоншунос бўламан, деб ўйлар эдим.* М.М.Дўст, Лолазор.

ДОТАЦИЯ [*лот.* dotatio – ҳадя, совға < dotare – таъминламоқ, жиҳозламоқ] *мл.* Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. нинг ортиқча харажатларини қоплаш ёки бошқа эҳтиёжлари учун уларга давлат томонидан ёрдам тариқасида, қайтариб бермаслик шарти билан берилган пул, маблағ. *Дотация бермоқ.* ▬ *Бутун дунёда қишлоққа дотация бериш мавжуддир.* Газетадан. *Заводимиз давлатдан дотация олмай ишламоқда.* Газетадан. *Давлатдан дотация олмаслик ва рентабел ишлаш учун кўпроқ пул топиш лозим.* Газетадан.

ДОХИЛ [*а.* داخل – ич, ички; кирувчи; аралашувчи]: **дохил бўлмоқ** *эск.* 1) кирмоқ, бир нарсанинг ичига кирмоқ; қадам қўймоқ; етмоқ. *Тонг маҳали Тарлон икковимиз бозор жўнадик. Қизилсувга дохил бўлдик.* «Ёшлик». *Ёш ҳокимнинг оғзи қулоғида: аҳолиси мамнунлик билан уни кутиб олган шаҳарга дохил бўлади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Сарчашма бўйига дохил бўлдингми, Бу чашмада паризодни кўрдингми?* «Муродхон»; 2) дахлдор, алоқадор, тегишли бўлмоқ. *Ҳар ким ўз ҳолига яраша бирор нарса худойи қилиб, савобга дохил бўлишини илтимос қиламан.* С. Айний, Дохунда. *Қанчадан-қанча кишининг ҳожатини чиқарди, савобга дохил бўлди.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

ДОХИЛИЙ [*а.* داخلى – ички] *эск. кт. айн.* **ички.** *Дохилий ишлар.*

ДОЦЕНТ [*лот.* docens, docentis – ўргатувчи] Олий ўқув юртларида профессорликдан қуйи, ассистентликдан юқори илмий унвон ва шундай унвон олган киши. *Доцент Мухторхон Мансуров ниҳоятда истараси иссиқ, дилкаш чол..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ДОШ I [*ф.* داش – катта ўчоқ; хумдон] *кам қўлл. айн.* **қозон, дошқозон.** *Эл-улуснинг қаҳр-ғазаби қирқ қулоқли дошни ёрар.* «Шарқ юлдузи». *Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди Димоғни шод этар, руҳни саломат.* Ғ. Ғулом.

Дошда қайнаган Ҳаёт қийинчиликларини, тажрибаларини бошдан кечирган, пишган. *Бегзода – подшолик дошида қайнаган, ёт эллар пулига ёлланган бир соткин.* Ғ. Ғулом.

ДОШ II**: дош бермоқ (***ёки* **келмоқ)** Чидам, туриш бермоқ, бардош бермоқ, чидамоқ. *У кишига [Юсуповга] бошқа касаллик ёпишди. Охири юрак дош бера олмади.* Й. Шамшаров, Сеҳрли қўл. *Асадулла бу нигоҳга дош беролмай, кўзларини олиб қочди.* «Шарқ юлдузи». *Халқнинг қудратига, бўронига ҳеч қандай тоғ дош келолмас.* Ойбек, Навоий. *Аммо унча-мунча куч дош келолмайди сувнинг забтига.* Газетадан.

ДОШҚОЗОН 1 Катта йиғинларда, тўй ва маъракаларда кўпчиликка овқат пишириладиган улкан қозон. *Дошқозоннинг оши хом бўлмас.* Мақол. ▬ *Тўйхонада дошқозон осилди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Дошқозонда қайнар сумалак, Онахонлар тонгни пойлайди.* «Саодат».

2 *кўчма* Ўртадаги, умумлашган мол-мулк. *Биз коллектив дошқозонига ўз ҳиссамизни қўшаётирмиз.*

ДОЯ [*ф.* دايه – боқувчи, парваришловчи; энага] **1** Тўлғоқдаги аёлларни туғдирувчи хотин; энага, акушерка. *Мунаввар Йўлдошга оғирлигини ортмаслик учун ўзига иш ҳам топди: туғруқхонага доя бўлиб кирди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Доя келгунча Тўлғонойнинг ҳомиласи нобуд бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Доя келгандан сўнг ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гўдакларни тарбияловчи аёл. *Ҳарам дарвозасида юрувчилар хоннинг ёлғиз ўғли – шаҳзодага қаровчи канизлар, доя хотинлар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *кўчма* Сабаб, боис, асос; пайдо, бунёд қилувчи. *Мўъжизалар дояси. Мўл ҳосил дояси.*

Кўнгилсизликлар дояси. Бахт дояси. ▬ *Севги йўқ ерда лоқайдлик билан қараш илдиз отар экан. Бу эса кўнгилсизликларнинг дояси.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Қўйди менга бахт дояси Собир лақабимни.* С. Абдулла, Танланган асарлар. *Ёқимли сўз мўъжизалар дояси бўлса, ёмон сўз — умр заволи.* Газетадан.

ДОЯЛИК Доячи, доя ҳунари, касби; доя вазифасини бажариш. *Доялик қилмоқ.* ▬ *Эътибор опа доялик қилганда, Тозагул унинг ёнида кўмаклашиб турди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДОЯЧА Ёш доя, ёш энага. *Чойдан кейин доянча Кумуш ёнидан бир оз вақтга чиқиб турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Доянча ким, ақиқага нечта қўй керак, нечанчи кунда тўй ўтказиладир?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДОЯЧИ *айн.* **доя 1.**

ДОЯЧИЛИК *айн.* **доялик.** *Доячилик қилмоқ.*

ДОҒ I [*ф.* داغ — белги, тамға; тамғалаш] **1** Нарсаларнинг бетидаги бошқа рангда, бошқа тусда ажралиб, фарқланиб турган кичикроқ жой, табиий белгилар. *Бадандаги қизил доғлар. Қуёш доғлари. Ойда ҳам доғ бор.* Мақол. ▬ *Эъзозхон юзини нафис доғлар қоплаган бу қорача жувонни севиб юраркан.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тунсиз кун йўқ, доғсиз лола йўқ.* Ойбек, Навоий. *Юздаги доғларни йўқотиш учун бетни оқартирадиган дорилар ва турли хил усуллар қўлланади.* «Саодат».

2 Нарсаларнинг бошқа бирор модда, нарса тегиб булғанган, ифлосланган, кирланган жойи. *Сиёҳ доғи.* ▬ *Шилиниб, тимдаланиб, қон доғи билан қопланган юзи ва йиртилган кўйлагини кўрганда, барчани даҳшат босди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ойимхон доғ босган дастурхонни сандалга ёзиб, патнисда тўртта сингиб пишган нон келтириб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Баширжоннинг қора коржомасида оҳак ва бўёқ доғлари қотиб қолган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 *кўчма* Иснод келтирувчи, ёмон таассурот ва таъсир қолдирувчи, ёмон ном; иснод. *Ёмондан доғ қолади, яхшидан боғ қолади.* Мақол. *Яхши бола ёғ келтирар, Ёмон бола доғ келтирар.* Мақол. *Тоза қалбда доғ бўлмас.* Мақол. ▬ *Севгига тушган доғни дарё қадар кўз ёши тўкиш билан тозалаб бўлармишми?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Қўрқоқлик доғини ўлим ҳам юволмайди.* А. Мухтор, Асарлар. *Бу гап мактабимиз шаънига доғ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Доғ туширмоқ 1) иснод келтирмоқ, бадном қилмоқ, булғамоқ. *Номига доғ туширмоқ.* ▬ *Эркак отага, фарзандлар номига муносиб бўлиши, уларга доғ туширмаслиги.. лозим.* Газетадан. *Юрт шаънига доғ тушириб кетди занғар.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) кўринишини бузмоқ. *Ҳуснига доғ туширмоқ.* **Қалб** (*ёки* **юрак**) **доғи** Кўнгилга оғир олинган воқеа-ҳодиса, гап-сўзнинг асорати; кўнгил қолиши. *Яхши сўз — юрак ёғи, ёмон сўз — юрак доғи.* Мақол. ▬ *Кийим доғини ювиб кетказса бўлади, лекин қалб доғини ювиб бўлмайди.* Газетадан.

4 *кўчма* Гуноҳ, камчилик, нуқсон. *Ўтган йилги доғимизни, албатта, бу йил ювамиз, планни бажармай қўймаймиз.* «Ўзбекистон қўриқлари» *Ўз виждоним олдида умримнинг доғи йўқ..* А. Мухтор, Асарлар.

5 *кўчма* Асорат, салбий таъсир. *Уруш доғларини ҳали ювиб тугата олмайман.* Ойдин, Ҳикоялар. *Оҳу кетса агар, тоғи қолади, Яра ёмон битса, доғи қолади.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

ДОҒ II [*ф.* داغ — ўта қиздирилган, қайноқ] Ўта қизитилган, қиздириб, маълум меъёрга етилтирилган (ёғ, мой ҳақида). *Доғ бўлмоқ. Доғ қилмоқ.* ▬ *Фарида ёғ доғ қилди.* «Шарқ юлдузи». *Қўйинг-чи, сабзи тўғрашни ҳам, ёғ доғ қилишни ҳам билмагандан кейин, нима ҳам дейсиз.* “Гулдаста”.

Доғ сув *шв.* Қайнаган сув. *Матпано.. бир бурда нон еб, бир пиёла доғ сув ичишга мажоли келмай, тўшакка ёнбошлади.* С. Сиёев, Аваз. *Шукруллохон, бир пиёла доғ сувимиз бор, эрталабки муштдан қайтма, деганлар.* Шукрулло, Сайланма.

ДОҒ III [*ф.* داغ — қайғу-алам, ҳасрат; хафалик] **1** Оғир мусибатдан, қайғу-кулфатдан кўнгилда қолган алам. *Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.* Увайсий. *Мастуранинг севгиси, чидами, ҳижрон доғлари унинг ўзидай пок, самимий.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Кўзлари кўр бўлиб кетмайдими шўрлик она сенинг доғингда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Булбул ошно бўлар эрам боғига, Қурсин ўлим, ким чидайди доғига.* «Равшан».

2 Армон, ҳасрат. *Нега эски доғларни очдинг, Доғ устига оғулар сочдинг?* Ҳ. Олимжон.

Доғда қолмоқ Бирор ҳаракати, мақсади амалга ошмаганидан армонда қолмоқ; бирор ишни бажаришга улгурмай қолмоқ.

Солдат.. минани кўмишга кўмди-ю, бироқ шнурни ёқолмай доғда қолди. «Фан ва турмуш». *Яхшибоев Маматқуловни кеткизиб, аёл билан гаплашмоқчи эди, лекин доғда қолди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Фақат Ёқутойнигина эмас, бошқа гўзал қизларни ҳам доғда қолдирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Доғман *ёки* **доғдаман** 1) куяман, бўғиламан, тажанг бўламан. *Яна шунисига доғманки, баъзи бойларимиз.. уларнинг сўзига ишонади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзим ҳам офтобни кўролмай доғман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Даврон билан унинг муносабатини тушуна олмай доғдаман.* П. Қодиров, Қадрим; 2) армондаман. *Гапириб пушаймон егандан, гапирмай доғда қол.* Мақол. ▬ *Шу вақтгача муносиб куёв учрамай доғда эдик.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Фарзанд доғи** Фарзанддан жудо бўлганлик сабабли юракда қолган армон, алам, ғам. *Фарзанд доғи ёндирар, Пайти келса куйдирар.* Мақол. ▬ *Бир донодан сўраган эканлар:"Ким полвон?" У иккиланмай:"Фарзанд доғига чидаган она!" — деган экан.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Оғамнинг заифаси фарзанд доғидан телба бўлиб қолди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ДОҒ-АЛАМ, доғу алам Қайғу-алам, қайғу ва алам. *Қайтайин, йиғлатиб мендай санамни, Солиб юрагимга доғу аламни..* «Маликаи айёр».

ДОҒ-АРМОН, доғу армон Қайғу-ҳасрат ва ўкинч, етолмаган орзу, мақсад. *Тортарди омоч деҳқон, Кўкси тўла доғ-армон.* С. Абдулла. *Бу юрагим қолди доғу армонда.* «Баҳром ва Гуландом».

ДОҒДОР [*ф.* داغدار — доғи бор; белгили, тамғали] Бирор жойида доғи бор, доғ теккан, доғли. *Доғдор юз. Доғдор пилла.*

ДОҒ-ДОҒ: доғ-доғ ўртамоқ Руҳий жиҳатдан ортиқ даражада куйдирмоқ, руҳан эзмоқ, яраламоқ. *Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар.* Ғ. Ғулом.

ДОҒ-ДУҒ Ҳар хил доғлар. *Нечун ойнинг юзи доғ-дуғ, оппоқ эмас? Гўё биров юмдабтирнаб олгандай.* Қ. Муҳаммадий. *Электр лампадаги чанг, доғ-дуғ ғашини келтирди.* С. Нуров, Нарвон. *Кир қайнатилганда яхши очилади, ҳар қандай доғ-дуғлар ҳам йўқ бўлиб кетади.* «Саодат».

ДОҒЛАМОҚ 1 Қиздириб етилтирмоқ, доғ қилиб тозаламоқ (мой, ёғ ҳақида). *Ишдан кейин дил чоғлаб, Капгирни белга боғлаб, Қўй ёғини хўп доғлаб, Пиширдим жонон палов.* «Муштум». *Ўзбек ошпазлигининг ўзига хос хусусиятларидан бири — ёғни яхшилаб қиздириб доғлашдир.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари. *Яхши доғланган мойга пиёз, гўшт тушиши билан бутун қирни аллақандай ёқимли ҳид тутиб кетди.* Ойдин, Ширин келди.

2 Газаклаган ярага думба ёғи, пиёз ва ш.к. қиздириб босмоқ. *Ярани доғламоқ.*

Юракни (*ёки* **бағирни, сийнани) доғламоқ** Алам ўтказиб ёки бошга кулфат солиб, дилда қаттиқ алам қолдирмоқ, дилни яраламоқ. *Беҳуда йиғлаганинг — юрагингни доғлаганинг.* Мақол. ▬ *Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб, Мен юрибман Шакарбекни сўроқлаб.* «Ширин билан Шакар». *Чамбил белдан чиқдим белимни боғлаб, Ёдимга тушганда, сийнамни доғлаб.* «Гулихиромон». *Саллачани дол қўйиб, Юрагимни доғлайсан.* «Оқ олма, қизил олма».

3 *кўчма* Таъзирини бермоқ, ўч олмоқ. *Мажлисда Комилни ёмонлаб, балога қолдим. Бу тирранча мени доғлайдиганга ўхшайди.* И. Раҳим, Ихлос.

4 Мафтун қилмоқ, ўзига асир қилмоқ; армонда қолдирмоқ. *Юрагимда кўпдир алам, мени доғлади бир санам.* «Муродхон». *Қўлга тегсин доғлаган паризодинг..* «Муродхон».

5 *кўчма* Қайғу-ҳасрат; ғам-аламга дучор қилмоқ, бўлмоқ. *Бу уруш унинг юрагини бир умрга доғлаб кетди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Ҳар нарсадан қодир эгам сақласин, Кўролмаганларнинг кўнгли доғлансин.* «Ойсулув».

ДОҒЛИ I Юрагида доғи, алами, яраси бўлган, алам чеккан, куйган. *Токайлар биз юрамиз Қўлу оёқ боғли?! Бир парча қотган нонга Юрак-бағир доғли!* Ҳамза. *Мажнун учун доғли сийнам, Энди вайрон кулбахонам.* «Баҳром ва Гуландом».

ДОҒЛИ II Доғи бор, доғ теккан; доғдор. *Доғли юз.* ▬ *Дераза тагида ўтирган аёл қўлидаги сиёҳ доғли жазвал билан тизига уриб, ора-сира ҳар тўғрида гапириб қўяди.* М. Файзий, Уч қиз. *Қўнғизча хол-хол қора доғли қизғиш қанотларини товлантирганча бирпас жим турди-да, кейин учиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДОҒЛИК, доғлиқ *айн.* **доғли.** *Юлдузлар шивирлар диллари доғлик!* А. Орипов, Йиллар армони. *Маъсум дил-ўйи қайғу-ла доғлиқ.*

Миртемир, Асарлар. *Кишининг бахти меҳнат бирла боғлиқ, Кимики меҳнат этмас, кўнгли доғлиқ.* Ҳабибий.

ДОҒУЛИ Ўта айёр, маккор, муғомбир, алдоқчи. *Доғули одам.* ▬ *Тўпорилиги ёлғон бунинг, гап пойлашидан билаверинг, доғули бу..* М.М.Дўст, Лолазор. *Тинч турарми бу кекса олам, Тинч турарми доғули замон.* А. Орипов, Руҳим.

ДОҒУЛИЛИК Ўта айёрлик, маккорлик, алдоқчилик. *Яна кимлардир жиноят гирдобида доғулилик қилади.* Газетадан. *-Доғулилик қилманг, — деди кампир овозини бир парда кўтариб, — биламан, кимга муҳаббат қўйганингизни.* Ф. Зоҳид, Ошиқ ва маъшуқ.

ДОҒ-ҲАСРАТ, доғу ҳасрат Қайғу-алам ёки қайғу ва ушалмаган орзу, армон. *Мен сизни бир умр кўрмасман, кимлигингизни, кимнинг қизилигингизни ҳам билмай, доғҳасратда ўтиб кетарман, деб ўйлаган эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кекса Нуҳ вазирларини бир-бири билан яраштиролмай, мамлакатда тинчлик ўрнатолмай, доғу ҳасратда ўлиб кетди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ДОҲИЁНА [*а.+ф.* داهیانه — доҳийга ўхшаш] *рвш.* Доҳийларга хос донолик билан, доҳийларча, оқилона. *Доҳиёна фикр. Доҳиёна иш тутмоқ. Доҳиёна йўл-йўриқ кўрсатмоқ.* ▬ *Тажриба жараёнида Кеплерда сайёраларнинг орбитаси эллипс шаклдан иборат, деган доҳиёна фараз туғилди.* «Фан ва турмуш».

ДОҲИЙ [*а.* داهی — айёр, маккор; зийрак, доно] Фавқулодда ақл-заковатга эга бўлган шахс, оқил йўлбошчи. *Набилар, расуллар, доҳийлар унда, Қабрлар, қасрлар тургандир қатор.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Доҳийлар бешигини бедор тебратган Сен — она.* Миртемир, Асарлар.

ДОҲИЙЛАРЧА Доҳийларга хос, доҳийларга муносиб тарзда, доҳиёна. *Доҳийларча иш тутмоқ.*

ДОҲИЙЛИК 1 Доҳий бўлишлик.

2 *салб.* Ўзини ўта доно, барчадан устун деб ҳисоблашлик; такаббурлик. *Худо берган оғир, масъулиятли бурчни оғишмай, доҳийлик касалига берилмай, ҳалол адо этиш учун жуда катта ақл-идрок ва фаҳм-фаросат керак.* Газетадан.

ДРАМА [*юн.* drama — ҳаракат] Бадиий адабиётнинг уч асосий тури (лирика ва эпос билан бирга)дан бири: асосан диалог — персонажларнинг ўзаро сўзлашуви шаклида, муаллиф нутқи аралаштирилмай ёзилган саҳна асарларидан иборат. *Ҳамза драмалари. Драма театри.* ▬ *Бу қимматли ҳужжат бизда мусиқали драмага бундан бир неча минг йил олдин асос солинганини тасдиқлайди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ДРАМАЛАШТИРМОҚ Бирор асарни, мас., романни, қайта ишлаб, драма шаклига солмоқ, саҳнага мосламоқ.

ДРАМАТИЗМ Саҳна асарида воқеа ва ҳолатларнинг ўзига хос кескинлиги, жиддийлиги, ҳаяжонлилиги. *Тўс-тўполон, сохта драматизмдан қочиш, ҳақиқий санъаткорлик сирларини қидириб топиш керак.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Шундан сўнгги лавҳалардан драматизм янада кучайиб, воқеалар шиддатли ва кескин тус ола бошлайди.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

ДРАМАТИК 1 Драмага, саҳна асарига оид. *Драматик асар. Драматик театр. Драматик актёр.* ▬ *"Ўч" Ҳамзанинг илк драматик асари деб тахмин қилинади.* «Саодат». *Драматик асарда деталь ўз ўрнини топса, актёр учун ҳам катта материал беради.* «Шарқ юлдузи».

2 Драматизм билан суғорилган. *Драматик финал.* ▬ *Драмада драматик ҳаракат ва характернинг очилишида диалоглар билан бирга монолог ҳам муҳим роль ўйнайди.* «ЎТА». *Бизда яратилаётган кўпчилик романларда яхлит драматик воқеа кўринмайди.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ДРАМАТУРГ Саҳна асарлари, драмалар ёзувчи адиб. *Театр билан драматургни эт билан тирноққа қиёс қилиш мумкин.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ДРАМАТУРГИЯ [*юн.* dramaturgia] **1** Драматик санъат; саҳна асарларининг тузилиш тамойиллари ва усуллари ҳақидаги назария. *Драматургия курси.* ▬ *Театр тана бўлса, драматургия унинг жонидир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бирор ёзувчининг, халқ ёки даврнинг драматик асарлари мажмуи. *Ҳамза драматургияси. Ўзбек драматургияси.*

ДРАП [*фр.* drap — мовут] Устки кийимлар тикиладиган қалин соф жун ёки ип аралашган газлама, қалин мовут. *Қора драп.* ▬ *[Шербек] Бошига қоракўл қулоқчинини, эгнига қора драп пальтосини кийди.* С.

Анорбоев, Оқсой. *Зулунбек қора драп пальтосига ёпишган хас-чўпларни қоқиб, эшик томонга йўналди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ДРАҲМА [*юн.* drachme – Қадимда Юнонистонда кумуш пул ва ўлчов бирлиги] Грецияда пул бирлиги. *..Юнонистонда оғирлик ва пул бирликлари ҳам драҳма деб юритилган.* «Фан ва турмуш».

ДРЕЗИНА [*нем.* Draisine – немис ихтирочи инженери Дреза (Drais) исмидан] *тех.* Темир йўл изларида унча узоқ бўлмаган масофага боришга мўлжалланган, қўл кучи ёки мотор билан юргизиладиган тўрт ғилдиракли арава. *Биз худди шу ерда дрезинада [метронинг] "Ойбек" станциясигача йўл оламиз.* Газетадан.

ДРЕЛЬ [*нем.* Drillbohrer – бурғи, парма] Металлар, ёғоч ва б. материалларда тешиклар очиш учун ишлатиладиган дастаки ёки электрик кўчма механизм. *Электр дрель. Пневматик дрель.*

ДРЕНАЖ [*ингл.* drain – қуритиш] **1** Захоб, шўрхок ерларни зовурлар қазиб ёки қувурлар кўмиб қуритиш усули ҳамда шундай зовур ва қувурларнинг ўзи. *Айрим жойлардаги дренаж қувурлари сувнинг босимидан ёрилиб кетди.* Газетадан. *Аммо ўн йилдан ошдики, бу дренажлар ишламайди.* Газетадан.

2 *тиб.* Яра ёки тана бўшлиғидан суюқликни (йиринг ва зардоб)ни махсус найча билан сўриш ёки дока пилтага шимдириш орқали тортиб олиш.

3 *тиб.* Шу мақсад учун ишлатиладиган махсус резина ёки шиша найча.

ДРЕНАЖЛАШ Дренаж йўли билан ернинг захини қочириш. қуритиш. *Бўлмалар ҳавосининг нам бўлмаслиги учун бинони қуруқ жойга солиш, фундаментини нам ўтмайдиган қилиб ишлаш, ерни дренажлаш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ДРЕССИРОВКА [*фр.* dresser – ўргатмоқ] Ҳайвонларни муайян кўникмалар ҳосил қилиш орқали баъзи ҳаракатларни бажаришга ўргатиш.

ДРОЖЖИ [*р.* «дрожжие» – суви сиқиб олинган нарса; қуйқа, қуйқум] *с.т. айн.* **ачитқи**, **хамиртуруш**. *Пиво дрожжиси. Хамир дрожжиси.* ▬ *Дрожжилар аминокислоталарга жуда бойдир.* Газетадан.

ДРУЖИНА [*р.* дружина < друг – йўлдош; жангчи ўртоқ] **1** *тар.* Қадимги Русда: князга яқин одамлар ва князлик қўшини.

2 *эск.* Бирор иш (жамоат тартибини сақлаш ва б.) олиб бориш мақсадида тузилган кўнгиллилар гуруҳи, тўдаси. *Дружинага ёзилмоқ. Дружина тузмоқ.* ▬ *Дружиналарга бириктилган уй-жой кварталларида жамоат тартиби қаттиқ муҳофоза қилинмоқда.* Газетадан.

ДРУЖИНАЧИ Дружина аъзоси. *Дружиначилар Нусратбекни безорилиги учун.. оёғини ерга тегизмай, судраб кетишди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ДУАЛ [*лот.* dualis – қўшалоқ, икки ёқлама] Икки, иккиланма. *Дуал тузилиш ўзбек халқ эртакларида ҳозиргача сақланиб қолган.* «ЎТА».

ДУАЛИЗМ [*лот.* dualis – қўшалоқ, икки ёқлама] *флс.* Дунёнинг негизида бир-бири билан келиштириб бўлмайдиган ҳолатлар, тамойиллар, фикрлаш тарзи, дунёқараш ёнма-ён мавжуд деб билувчи, материалистик қараш билан идеалистик қарашни келиштиришга уринувчи фалсафий оқим; *зид.* **монизм.**

ДУАЛИСТ Дуализм, яъни дуалистик қараш тарафдори.

ДУАЛИСТИК Дуализмга оид, дуализм тамойилларига асосланган. *Дуалистик дунёқараш.*

ДУБ [*р.* «дуб» – қурилишбоп дарахт, ёғоч] *айн.* **эман.** *Дубнинг ўсиши учун кўп ёруғлик ва иссиқлик керак бўлади.* «География». *Мен – кекса дубман: унча-мунча шамол мени эголмайди.* «Шарқ юлдузи». *Қаердандир дуб бочканинг талх ҳиди келади.* А. Мухтор, Асарлар.

ДУББ [*а.* دبّ – айиқ]: **Дубби акбар** Етти қароқчи (Катта айиқ) юлдузлар туркуми. *Бу Зуҳал, мана бу Дубби акбардир.* А. Орипов, Йиллар армони.

ДУБ-ДУРУСТ *с.т.* Дуппа-дуруст, туппатузук, яхшигина.

ДУБИР, дубур *шв. фольк.* Юрганда ёки чопганда эшитилувчи паст, бўғиқ овоз; дупур (кўпроқ отлар ҳақида). *Гўрўғлининг қўшинига отларнинг дубири эшитилди.* «Гулнорпари». *Юрганда отнинг дубири ерни қимирлатиб кетди.* «Ҳасанхон». *Бирдан қулоқларига отларнинг дубури келди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ДУБЛЕТ [*фр.* doublet < double – қўшалоқ, иккиланган, икки ҳисса] **1** Бирор нарсанинг иккинчи нусхаси; иккита бир хил, тенг қимматли нарсанинг бири.

2 Қимматбаҳо, нодир тошлар (буюмлар)нинг ясама, сохта нусхаси.

3 *тлш.* Тилда маъносига кўра айнан тенг келувчи ва бири иккинчиси ўрнига алмашиниб қўлланиши мумкин бўлган сўз ва бошқа хил лисоний бирлик. *Бироқ илмий матнда дублетларнинг уч-тўрттасини бирданига беришни меъёрий ҳолат деб қараш керак эмас.* «ЎТА». *Тилда синоним, дублет ва вариантларнинг қаватланиши ёки такрорланиши ортиқ информацияни вужудга келтиради.* «ЎТА».

ДУБЛЁР [*фр.* doubleur – иккилантирувчи] **1** Бирор ишни навбатлашиб бажарувчи ёки бир ишда бир-бирининг ўрнини боса олувчи икки кишидан бири. *Космонавтнинг дублёри.*

2 Театрда ролни ижро этувчи актёрни алмаштирувчи актёр ёки бир ролни навбатлашиб бажарувчи икки актёрдан бири.

3 Дубляж қилинган фильмда овоз берган (кино)актёр. *Баъзи ҳолларда экрандаги ҳолатга нисбатан сўз узун бўлса, дублёр сўзни тезроқ айтиши керак.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

4 Футбол ва бошқа ўйинларда асосий ўйинчилар ёки команда таркиби учун тарбияланувчи ва уларни алмаштира олувчи ўйинчилар ёки команда.

ДУБЛИКАТ [*лот.* duplicatus – иккиланган] Бирор ёзма ҳужжатнинг асл нусхаси билан баб-баравар расмий, юридик кучга эга бўлган бошқа нусхаси, копияси. *Улардан сўраб келинг, дубликат олиш учун қандай ҳужжатлар керак бўлса, дарров берамиз, дейишди.* «Муштум».

ДУБЛЯЖ [*фр.* doublage – икки марта, икки карра кўпаймоқ] Бошқа бир тилдаги овозли фильмни иккинчи бир тилга таржима қилиб, диалоглар таржимасини фильм қаҳрамонлари оғиз ҳаракатига мослаштирган ҳолда яратилган фонограмма. *Кинофильмларни омма орасида ёйишда фильмлар дубляжи катта аҳамият касб этади.* Газетадан.

ДУБУЛҒА *тар., ҳарб.* Бошни тиғ ёки ўқдан (шунингдек, бошқа хил зарбалардан) сақлаш учун темир ёки пўлатдан ишланган бош кийим; шлём. *Малика қоп-қора сочларини турмаклаб, бошига олтин дубулғасини кийди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *..офтоб суворийларнинг бошларидаги ялтироқ дубулғаларда, эгниларидаги совутларда акс этиб, кўзларни қамаштирар эди.* М. Осим, Ўтрор.

ДУВ *рвш.* **1** Бирдан, бараварига, тез. *Дув тўпланмоқ. Дув этиб учмоқ. Ҳовли ўртасидаги бир туп тут дув пишипти. Боланинг кўзларидан дув ёш тўкилди.* ▬ *Кумушбиби ўз устига дув йиғилган қизларга кўзини қаратди-да, чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўз ёшини қуритди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Тамоман, бутунлай. *Сочлари дув оқарган, аммо кўз қарашлари тийрак доктор опа ҳар куни Шерзоддан.. нима туш кўрганини сўрайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Маҳбубанинг буғдойранг кулча юзи дув қизарди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

Дув гап Ҳамма ёққа тез тарқалган, ҳамманинг оғзига тушган миш-миш гап. *Янги шаҳарда аллақайси бир маҳкамага неча юз киши таёқ кўтариб, эшигу ойналарини синдирибди, шу одамлардан нечтаси қамалибди, деган хабар ҳамма ерда дув гап эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Юртда дув гап – фалон бўпти, писмадон бўпти.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ДУВАРАК [*ф.* دوباره – иккинчи марта, иккиламчи] **1** Мевали дарахтнинг бир йилда иккинчи бор берган меваси. *Дуварак олма. Олманинг дувараги.* ▬ *Бир йиллик новдаларда етилаётган узум бошлари билан бир қаторда бачки новдаларда дуварак пайдо бўлиши мумкин.* «Фан ва турмуш». *Баъзи шохларда бултур чала терилган мевалар – дуварак олхўрини эслатувчи зайтунлар қуришиб ётарди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 *кўчма* Бўйи паст, пачоқ (одам ҳақида). *Дуварак одамлар.* ▬ *Йўлдош почтачининг дуварак қизича ҳам бўлолмайсан, сендан ёш, лекин ўн ҳисса кўп ишлайди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Хом, ғўр; тажрибасиз. *Келганига бир йил, ярим йил бўлиб қолганлар бор.. дуварак бўлса ҳам, пулни пуфлаб тугадиганлар – буларни оз-моз пул билан рағбатлантириш мумкин.* А. Мухтор, Туғилиш.

4 Умуман, ҳар нарсанинг кичкинаси, етилмагани. *Поезд мени кичкинагина, номи ҳали темир йўл хариталарига кирмаган дуварак бир разъездга ташлаб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *-Авраб ҳам бўлмайди бу дуваракларни, – арз қилди Убайда хола хит бўлиб.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

ДУВВА *рвш. шв.* Бирдан, бараварига; дув. *Олма дувва тўкилди. Толдаги чумчуқлар дувва учиб кетди.* ▬ *Анжирнинг мадҳига тополмадим сўз, Дувва тўкилгандай саватга юлдуз.* Газетадан.

ДУВДОҚ *с.т.* Тувалоқ.

ДУВ-ДУВ Дув с. такр.; жуда кўп, беҳисоб. *Дув-дув тўкилмоқ.* ▬ *У ўғлининг дўстларини кўриши билан кўзларидан дув-дув ёш тўкди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Болалар қоқишса, дув-дув тушади: Оғиз тинмас оппоқ тутидан.* Миртемир, Асарлар.

Дув-дув гап Кўпчилик орасида тарқаган ҳар хил: тўғри ва шубҳали гап-сўз. *Кунларнинг бирида маҳаллада дув-дув гап бўлиб қолди: "Мухторхон домулла уйланармиш!.."* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *Ҳамма ерда дув-дув гап, шуни ўзингдан билай, деб келдим-да.* Т. Ашуров, Оқ от.

ДУВОЛ *шв. айн.* **девор.** *Севмасанг – зўрлик увол.. Обқочаман ошиб дувол.* Отаёр, Оқ фасл.

ДУВУЛЛАБ *рвш.* Тез, бирдан, бараварига, дув (тўкилмоқ, оқмоқ ва ш. к.). *Чигитлар ердан дувуллаб униб чиқди.* ▬ *Мастура холанинг кўзларидан дувуллаб ёш оқарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сўнг шамол томорқадаги дарахтларни силкитдими, томга дувуллаб ёмғир суви тўкилди.* Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор. *Дувуллаб бир ҳовуч ўрик тўкилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДУГ *с. т. айн.* **дук** I.

ДУГОНА [*ф.* دوگانه – иккита, жуфт] **1** Ўртоқ, дўст (хотин-қизлар ҳақида). *Салом, менинг азиз дугоналарим, Азизим, лобарим, чеварим, қизлар.* Зулфия. *Тўлғоной қўшниларининг уйида, дугоналари орасида ўтирарди.* С. Сиёев, Аваз. *Давру давронингизда биз ҳам тўйиб хандалак ейлик, дугонажон!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Шерик, жуфт. *Кўксув билан Оқсув икки дугона, дилбар, Икки ёқдан тоғ бағридан ўйноқлаб келар.* Шайхзода. *Уруғлик ерда ўса бошлагач, аввал дугона қилдим (бир жойда икки туп қўйдим), сўнгра ягона қилдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

ДУГОҲ [*ф.* دوگاه – икки пайт, икки жой] Шашмақом системасидаги учинчи мақом номи (*қ.* **шашмақом**). *"Дугоҳ"ни бошлаб юборди. "Дугоҳ" ҳам излаганини топиб бермади, ўзи ҳам излашдан, бўзлашдан чарчамади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДУГЧИ *с.т.* Дукчи. *Бешикчилар, тароқчилар, дугчилар Майрамхонни ўз қўллари билан овқатлантиришни "бахт" деб билар эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ДУД I [*ф.* دود – тутун, қурум; оҳ, нола, ғам-алам] Тутун, қурум, ис. *Порох дуди.* ▬ *Мамажоннинг димоғига қорачироқ дуди гуп этиб урилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ёғ дуди осмонга кўкиш устундай кўтарилди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Деворлари ва шипини қоп-қора дуд босган бу уйга қуёш нурлари кичик бир туйнукдан тушарди, холос.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Ғубор, доғ, асорат. *Кўзимда ғурбатнинг заҳарли дуди.* Ғ. Ғулом. *Гулнорнинг кўнглини қоплаган ҳасрат дуди тарала бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аслида суҳбатдан қолган дуд ҳали Элмуроднинг кўнглидан аримаганди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *кўчма* Оҳ, нола; руҳий азоб. *Ҳожи холанинг дуди осмонда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Душмандан интиқом олиб, дудини димоғидан чиқарайлик.* М. Осим, Карвон йўлларида.

4 *кўчма* Аччиқ, жаҳл; ғазаб. *Мана шу ерда мингбошининг дуди осмонга чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 *кўчма* Илиқлик тафти. *Ҳут кирди, ер остига дуд кирди.* Мақол.

ДУД II *тақл. с.* Болалар сурнайининг ёки автомобиль сигналининг овозига тақлид сўз. *Дуд демакка дудоқ керак.*

ДУД III [*ф.* دود – тутун] Газламага гул босишда ишлатиладиган қўш қолип.

ДУДА [*ф.* دوده – қурум, майда кукун] Оқ бўзнинг сийрак тўқилган тури. *Дуда пашшахона.* ▬ *Бизда ҳам газламаларнинг турларига исм бор: бўз, дуда, қалами ва ҳоказолар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ДУДАК Тувалоқлар туркумига мансуб қуш.

ДУДАМ [*ф.* دودم – икки тиғли, икки дамли] *айн.* **дудама.** *Шеър ул тиғи дудамдурки, жаҳонни фатҳ этар..* Мунис.

ДУДАМА [*ф.* دودمه – икки тиғли, ҳар икки томони ўткир] **1** *сфт.* Икки томонида ҳам дами, тиғи бор. *Дудама пичоқ.* ▬ *Пичоқ унча катта эмас.. ингичка ва дудама эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *У этиги қўнжига солиб қўйган дудама ханжарга ишора қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Тилини чиқариб тишлаб,*

дудама пичоғи билан новдани бутай бошлади. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

2 *от* Ҳар икки томони тиғли пичоқ ёки ханжар. *Зулайҳо орқасига қайтади. Бир неча қадам юради-ю, дудамани эслайди.* П. Қодиров, Қадрим. *Нақ кўксига сопигача ботиб кетди дудама.* О. Ҳакимов, Достонлар.

ДУДБУРА *айн.* **дудбурон.**

ДУДБУРОН [*ф.* دودبرّان – тутунни ташқарига тортувчи] **1** Шип ёки девор орқали ташқарига чиқарилган тутун йўли; мўри, мўркон. *Онам баланд, дудбурони бор ошхонада куйманар эди.* Ойбек, Болалик. *Ҳўл хазон ёқилган ўчоқнинг дудбуронидан кўз ачитувчи тутун чиқади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Темирчилар кўраси ёки кулоллар хумдонининг тутунни ташқарига тортадиган карнайсимон қисми.

ДУД-ДУД **Дуд** II с. такр. *Дуд-дуд сурнай чалинди.*

ДУДКАШ [*ф.* دودکش – тутун тортувчи] *шв.* **1** *айн.* **дудбурон 1**, **2**.

2 Ашаддий кашанда, ҳадеб сигарет тутатишни яхши кўрувчи (киши).

ДУДЛАМА Дудлаб ишлов берилган, қоқланган. *Дудлама балиқ гастрономларда кўп.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ДУДЛАМОҚ **1** Дуд билан ишлов бериб қоқламоқ, сурламоқ (гўшт, қази ва шу кабиларни). *Дудланган қази.* ▬ *Холиса тақсимчаларда қора майиз, мағиз, дудланган қази келтириб қўйди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Дуд билан қопламоқ, исламоқ.

ДУДМОЛ Нималиги аниқ бўлмаган, ҳар хил тушунса бўладиган; мужмал, муҳмал. *Дудмол гап. Дудмол хулоса. Дудмол қарор.* ▬ *Тожибой одатига мувофиқ қисқа, дудмол жавоб берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Азизхоновни тик турган ёш қиз эмас, унинг дудмол туюлган саволи ажаблантирди.* М. Исмоилий, Барҳаёт қиз. *Чол дудмол қилиб йигитга қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДУДОҚ *кт.* **1** *айн.* **лаб.** *[Гулнор] Йўлчининг кучли, эркак нафасини, дудоқларида унинг бўсасининг жонли оловини бир лаҳза сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Севишганлар қўли бир-бирига чирмашди. Дудоқларда бўса чақнади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ярқираган ёноғингдан айланай, Гул баргидай дудоғингдан айланай.* «Қўшиқлар».

2 *кўчма* Оғиз; тил. *Шараф сизга, ёғар миллион дудоқдан кучли олқишлар.* Ғ. Ғулом. *Алла айтган дудоқларда Она меҳри тошқин.* Миртемир, Асарлар.

ДУДУЛАМОҚ *с.т.* "Дуд-дуд" деган овоз чиқармоқ. *Машина сайргоҳга кириб борди ва дудулаганича одамларни оралаб, дарё томон йўналди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шу пайт машина "дудулаб", икки бола ура қочиб қолишди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

ДУДУҚ Баъзи товушларни қийналиб талаффуз этувчи ёки тутилиб гапирувчи. *Дудуқ одам.* ▬ *Дудуқ одамнинг гапириши қийин, аммо унинг гапини эшитиш ундан ҳам қийин.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Гўдаксиз ўтарман наҳот жаҳондан, Майли, чўтир, дудуқ – севардим жондан.* Миртемир, Асарлар.

ДУДУҚЛАНМОҚ Баъзи товушларни қийинлик билан талаффуз этмоқ ёки тутилиб-тутилиб гапирмоқ. *У [Худойқул] Элмуроднинг сўроқларига дудуқланиб, тўмтоқ-тўмтоқ жавоблар бера бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Би-би-бе.. – деди Қурбон дудуқланиб.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ДУДУҚЛИК Тутилиб гапиришлик, дудуқланиш хусусияти. *Унинг [Худойқулнинг] дудуқлигини ва ҳовлиқиб гапиролмай қолишини Давлатёр шундай деб таърифлади: -Бу худо қилган соқов эмас, ўртоқ Дўсматов! Мадаминов шундай қилиб қўйган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ДУЖОН [*ф.* دوجان – икки жон(ли)] *шв.* Ҳомиладор, иккиқат. *Кунларнинг бирида бойнинг энг кичик хотини дужон бўлибди.* «Зумрад ва Қиммат».

ДУДХОНА [дуд + хона] Гўшт, қази каби егуликлар дудланадиган хона.

ДУЗ *айн.* **туз** II. *Одам эса чорасиз, ғамгин кўринади бу чексиз дузда.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ДУЗД [*ф.* دزد – ўғри] Ўғри. *Ўғри-дузд ўзин тортар панага, Санам қизлар зулфин ташлар шонага.* «Эрали ва Шерали».

ДУК I [*ф.* دوک – йиг, дук] Чархнинг йигирилаётган ип ўралиб борадиган қисми; йиг. *Ҳар қизнинг олдида.. ип ўралган семиз дуклар қаланиб ётипти.* Ойбек, Навоий. *У [Оташ дукчи] дукни ғув-ғув айлантиради.* Ойбек, Улуғ йўл.

ДУК II *тақл. с.* Бирор оғир нарса иккинчисига урилганда чиқадиган бўғиқ овоз

ҳақида. *Эшик дук этди. Дук этган товуш эшитилди.* ▬ *[Латиф] Челакдан иккинчи шишани олиб, тагига бир урди-да, Султоннинг олдига “дук” эткaзиб қўйди.* О. Ёқубов, Ларза.

ДУКАРТ [*ф.* دوکارد – икки тиғли; қайчи**]** *шв.* Кичкина қайчи.

ДУКАРТЛАМОҚ Қайчи билан кесиб текисламоқ; қайчиламоқ. *Кўзлари катта-катта Муҳаммадалибек тоза ювилиб-таралган, дукартланган соқолини аста силар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ДУК-ДУК Дук II с. такр. *Эшикни дук-дук қоқмоқ.* ▬ *Ҳасан сўфи тошга қулоғини босиб тинглади. Анча тинглаб ётди: Дук-дук бору.. жуда олис.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аввалига у [соқчи] аста-секин юриб борди, кейин Насриддин афандининг қулоғига дук-дук қилган овоз эшитилди.* «Муштум».

Юраги дук-дук урмоқ Юраги ўйнамоқ, юраги қаттиқ урмоқ. *Эшик очилиши биланоқ Ҳасаннинг юраги дук-дук уриб, ранги оқариб кетди.* Ибохон, Улуғ кун. *Умиднинг юраги дук-дук уриб, беихтиёр унга яқинлашди.* Мирмуҳсин, Умид.

ДУКИЛЛАМОҚ 1 “Дук-дук” этган овоз чиқармоқ. *Эшик дукиллаяпти.*

2 Тез урмоқ, тепмоқ, ўйнамоқ (юрак ҳақида). *Унинг [Мирвалининг] юраги дукиллаб ура бошлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Қувончимданми, аллақандай хавотирданми – юрагим дукиллаб кетди.* А. Мухтор, Асарлар.

ДУККАК Ловия, мош каби ўсимликларнинг донни ўраб турувчи икки паллали пўчоғи; қўзоқ; дуккакдошлар меваси. *Ловия дуккак чиқарибди. Мош дуккаклари.* ▬ *Олти қизнинг ичида сен полвони, Дуккакка сиғмайди мошининг дони.* «Қўшиқлар».

ДУККАКДОШЛАР *бот.* Икки йиллик ва бир йиллик икки паллали ўсимликлар оиласи.

ДУККАКЛАМОҚ Дуккак чиқармоқ, дуккак ҳосил қилмоқ. *Мош дуккаклабди.*

ДУККАКЛИ Дони дуккакларда пишиб етиладиган. *Бошоқли ва дуккакли экинларнинг баъзи бир турларида оқсилдан ташқари анчагина мой ҳам бўлади.* Газетадан.

ДУККИ *шв.* Дўнг, қавариб чиққан. *Ҳаракатнинг зўрлигидан Раҳимнинг сепкил бетлари, дукки пешонаси терлаб, қизил майкаси шимидан чиқиб кетган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ДУККИБОШ Дўнг бош, боши катта, дўнг пешонали. *Бу дуккибош, сепкил юз бола ҳар гапда тиржайиб турарди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ДУККИПЕШОНА Дўнг пешона, шундай пешонали одам.

ДУКУЛЛАМОҚ *айн.* **дукилламоқ.** *Юрагим дукуллайди, Ёр келганга ўхшайди.* «Оқ олма, қизил олма». *Пиджагимни киймасимдан хонам девори дукуллади.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ДУКУР I *тақл. с.* Дукурлаган овоз ҳақида. *Бошқалар ҳам ётиб қулоқ солдилар. Аммо ҳеч ким дукурнинг қаёқдан келаётганини аниқлай олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Дастурхон йиғиштирилиб, Султонмурод кетмоққа қистаркан, дарвозада отларнинг дукури эшитилди.* Ойбек, Навоий. *Латофатнинг юрак дукури хийла босилди.* «Ёшлик».

ДУКУР II *шв.* Сув тақсим қилинадиган жой.

ДУКУР-ДУКУР Дукур с. такр. *Отларнинг дукур-дукури, итнинг ҳуриши эшитилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Турсуной ҳеч нарсани кўрмас, юрагининг дукур-дукуридан бошқасини эшитмас эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Дукур-дукур от келди, Қаранг, қандай зот келди.* «Қўшиқлар».

ДУКУРЛАМОҚ 1 Дукур-дукур овоз чиқармоқ. *Шу дукурлаш секин-секин оёқ товушига мубаддал бўлиб, Анварнинг қулоқлари тиккайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Кўчадан эса от туёқларининг сабрсиз дукурлаши эшитилди.* «Фан ва турмуш».

2 Тез урмоқ, тепмоқ, ўйнамоқ (юрак ҳақида). *Дарчага яқинлашганида, юраги бирдан дукурлаб, эшик олдида тўхтаб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДУКУРМА [*ф.* دوکرم – иккита ипак қурти]**: дукурма пилла** Иккита ипак қурти бир кафанга ўраган пилла, қўшалоқ пилла; барака.

ДУКЧИ Дук ясовчи уста. *Улар бешикни Жиззахдаги машҳур дукчи Оқил амакига ишлатишган экан.* «Ёшлик».

ДУКЧИЛИК 1 Дук ясаш билан машғуллик, дук ясаш ҳунари ва ўша касбнинг номи.

2 Бозорда дукчилар дўкони жойлашган раста.

ДУЛДУЛ [*а.* دلدول – жайра] **1** Диний ривоятларга кўра, Муҳаммад пайғамбар

минган ва кейинча ҳазрат Алига тортиқ этган учар отнинг исми ёки лақаби. *Той ўссин, нақ Дулдулдай бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Келишган, чиройли, учқур от. *Солибой.. ориқ-тириқ отларни арзон баҳода сотиб олиб, бир оз боқиб, дулдул баҳосида пуллар эди.* Ё. Шукуров, Қасос.

ДУМ [*ф.* دم — қуйруқ, дум] **1** Ҳайвон танасининг чиқарув тешиги тепасидан бошланадиган ва ингичкаланиб борувчи энг ортки, охирги қисми; қуйруқ. *Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига.* Мақол. *Туянинг думи ерга тегар, Хўжанинг қизи эрга тегар.* Мақол. *Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди.* Мақол. ▬ *У [ит] думини ликиллатди-да, Нигоранинг оёғи остига ёта қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Думини хода қилиб 1) думини тикка, юқори кўтариб. -*Сигир бирдан ирғиб ўрнидан туриб, думини хода қилиб, бир қочиб берди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Молхонадан келаётсам, олдимдан думини хода қилиб, бир бузоқ югуриб ўтди.* «Муштум»; 2) *кўчма* орқасига қарамай, тумтарақай бўлиб. *..Олдингга қанча бордим? Нуқул бадбашара махлуқдан қочган юраксиздай думингни хода қилиб қоласан-ку?* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *..зўр келганда кўпинча беллашишдан бош тортади-да, думини хода қилиб қочади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Думи юлинган мусичадай (***ёки* **товуқдай)** Бир ери ёки бир нарсаси етишмагандай, беўхшов. *Бердибой гарчи шаҳардан думи юлинган мусичадай бўлиб келган бўлса ҳам, фазлсиз эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон. *..орамизда Икром деган бир кимса ҳам бор эди. Думи юлинган товуқдай бир четга чиқиб, шумшайиб турибди.* «Ёшлик».

2 Баъзи жониворлар танасининг кет томонидаги узун патлар ёки ингичкалашган қисми. *Хўрознинг думи. Қалдирғочнинг думи. Илоннинг думи.* ▬ *Ҳалиги чавоқ балиқ қор устида ялт-юлт қилиб сакрайди, думи билан савалайди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Раиснинг ориқ, қорамтир юзига ярашмаган тақасимон мўйлабининг учлари чаён думидай гажакланди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 Мева, барг ва ш. к. нинг банди.

Дум бермоқ Пишиб етилмоқ (асосан полиз экинлари ҳақида). *Бир кун пахта чопиб юрсам, битта қовун жуда ҳам тўри келган, "мени е!" деб дум бериб турибди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Нимадир "тирс" этди: қизилуруғ қовун дум берди шекилли.* А. Эшонов, Дутор.

4 Сабзавот ўсимликларининг ер юзасида ўсиб турган барги. *Сабзининг думини кесмоқ.*

5 Учиш аппаратларининг ингичкалашган кет томони. *Бирпасдан кейин лагерь устида думига каттакон пуфак боғлаб олган самолёт пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Самолётнинг думида елкамни қисганча биқиниб ўтиравердим.* «Гулдаста».

6 Умуман бирор нарсанинг кети, охири. *Юлдузнинг думи. Қанча машиналар қаторлашиб ўтди, ҳали думи кўринмайди.* ▬ *Чарос дераза панжарасидан.. думи ликиллаб турган даканг варракни кўрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Чопа беришнинг беҳуда эканини пайқаб, эшелоннинг думига уланган қизил вагонларга тоиққан кўзларини умид билан тикди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

7 *кўчма* Доим бировга эргашиб ёки унга хушомад қилиб, бирга ортидан юрадиган одам; шотир. *Абдурасул Тожибойнинг мажлисда ўз тарафини оладиган думлар тўплай бошлаганини гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дум эмиш, хўжа келиб менга дум бўлсин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 *кўчма с.т.* Қарз, топширилмаган имтиҳон *Унинг математикадан думи бор.*

Бурганинг думини кўрган Жуда ҳам шум, айёр, уддабурон. *Биламан, Гавҳар яхши қиз. Лекин анави иблис бурганинг думини кўрган!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Думини босмоқ** Ғашига, асабига тегмоқ. *Идорада, иш устида, иш юзасидан гапираётирман. Думингизни босганим йўқ.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Мен бир-иккитасининг думини босдим шекилли.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Думини ликиллатмоқ** Хушомадли ва айёрона иш кўрмоқ. *Саройда биз ҳам дум ликиллатиб, қуйруқ қоқиб юрибмиз.* С. Сиёев, Ёруғлик. *У калондимоғ, энди қаршисидаги одамдан ўзига ўхшаб дум ликиллатишини талаб қилувчи нусхага айланади.* «ЎТА». **Думини тугмоқ** *ёки* **думи тугилмоқ** Қайтиб келмайдиган қилиб ишдан бўшатмоқ, ҳайдамоқ. [*Розиқ сўфи*] *Бир магазинга кечки қоровул бўлиб олган эди. Ундан ҳам ишкал чиқариб, думи тугилди.* С. Абдулла, Соялар. *Турсунбой.. қўпол ва дағал муомалали бўлгани сабабли.. бригадирликдан*

думи тугилган эди. «Муштум». *Ҳаммамизнинг думимизни тугар эмишлар.* Уйғун, Асарлар. *..иккинчи бу гапдан оғиз очманг, акс ҳолда, думингизни тугаман.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Думини тутқазмаслик (***ёки* **ушлатмаслик)** Ҳеч кўринмай, йўлиқмай қочиб юрмоқ. *Ғаффор қўрбоши думини тутқазмасга, ўзини ютқизмасга уринади.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. **Думини қисмоқ** 1) итоаткорона иш тутмоқ; бўйсунувчан, итоаткор бўлмоқ. *Мен ўз юртимда мусофир итдай думимни қисиб юришни хоҳламайман.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Девона ўша заҳоти думини қисиб, жуфтакни ростлаб қолди.* К. Яшин, Ҳамза; 2) *кўчма* бўйсунмоқ, жиловланмоқ. *Сув думини қисди, энди шошмасдан [тўғонни] мустаҳкамлаш керак.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Думи хуржун (***ёки* **хуржунда)** Нотайин, таги-туги йўқ; ўлда-жўлда, чатоқ ёки чала-чулпа; сарсон. *Думи хуржун гап. Думи хуржун иш.* ▬ *Бўрибой ўша одамларнинг номини тилга олгиси келмай, думи хуржунда қолди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Гўшт топширишнинг ҳам думи хуржунда.* «Муштум». **Думи қисиқ** Бирор айби бўлган, айб иш қилган, айбдор; бирор нарсадан ҳадиксировчи. *Мусофир итнинг думи қисиқ.* Мақол. ▬ *Илгари ўғрининг думи қисиқ бўларди, эл олдида сазойи қилинарди.* С. Нуров, Нарвон.

ДУМА [*р.* дума – ўй, фикр < думать – ўйламоқ] *тар.* Ўтмиш чор Россиясида турли давлат муассасаларининг номи; ҳозирги Россияда эса қуйи палата номи. *Давлат думаси. Шаҳар думаси.* ▬ *Улар ўша дума сайловидан кейин сизни кўргани кўзи йўқ.* К. Яшин, Ҳамза.

ДУМАК *шв.* Жўхорипоя илдизи. *Соҳира айвонга думак, яъни жўхорипоя илдизини ташир эди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ДУМАЛАМОҚ *с. т.* Юмаламоқ. *Кўзларимиз тўқнашди-ю, унинг лаблари титраб, кўзларидан икки томчи ёш думалаб кетди.* «Саодат». *Қордан кичкина юмалоқ ясаб, думалата-думалата, ўз бўйларидан баланд, катта курра ясаганлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Олачипор тарвузлар, "устим кўм-кўк бўлса ҳам, ичим қип-қизил", деб думалашиб ётибди.* «Саодат».

ДУМАЛОҚ *с. т.* Юмалоқ. *Бу хотиннинг ёши элликдан ошган бўлиб, ўзи пакана, думалоқ.* С. Зуннунова, Янги директор. *Эсон бобо пайкални оралаб, думалоқ, сариқ, қорамтир холи бор қовунни кўтариб чиқди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ДУМАЛОҚЛАМОҚ *с.т.* Юмалоқламоқ. *Асал буви дастурхонни думалоқлаб, қўлтиғига уриб олди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ДУМАЛОҚ-СУМАЛОҚ *жуфт с.* Гавдалари турли тузилишда бўлган. *Ўктам муаллимнинг думалоқ-сумалоқ, ёқимтой болалари билан "сув сепар" ўйнашди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ДУМАХОНА *тар.* Дума идораси, дума маҳкамаси. *-Ҳали, – деди Ўрмон полвон, – Россияда подшоҳ йўқ, ҳукумат ишини думахонадан қўйилган Милюков билан Керенскийдай бир неча киши бажармоқда.* С. Айний, Қуллар.

ДУМБА [*ф.* دمبه , دنبه – орт, кет; думба, қуйруқ] **1** Қўйларнинг кет томонида сон билан бел ўртасида ўсган, асосан думалоқ шаклда кўринувчи ёғ қисми. *Семиз қўйнинг думбаси катта, Семиз одамнинг – суҳбати.* Мақол. ▬ *Ёлғиз қўйни ҳайдаш нуқул азоб. Бўйнидан сургайман – йўқ, думбасига арқон солиб тортаман – йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Раъно томорқада думбаси серкиллаган, жингалак юнгли қўзичоқларга майса юлиб бераётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Қўй танасининг шундай қисмидан чиққан ёғ. *Думба тўғрамоқ. Думба эритмоқ. Узоқдаги думбадан яқиндаги ўпка яхши.* Мақол. ▬ *Қайнонанинг маслаҳати билан докага думба ўраб, чақалоққа сўрдиришди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси. *Мамат қассоб.. оғринибгина ярим килодан ошиқ думбани тарозига ташлади.* «Ёшлик».

3 Одам танасининг сон билан бел ўртасидаги юмшоқ орқа қисми. *Кимдир скамейкага газета солиб ўтирган экан, думбасининг изи тушиб қопти.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ДУМБАДОР [*ф.* دمبه‌دار – думбали, думбаси катта] Катта думбали. *Думбадор қўй.* ▬ *Чўпон лорсиллаган, думбадор қўйларини сой тарафга ҳайдади.* «Газетадан».

ДУМБА-ЖИГАР Думба ёғи ва жигардан тайёрланган овқат ёки газак. *Заргаров, яқин бир ой бўлади, чоракам бир литр хушбўй винони думба-жигар билан ичгани асраб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Ўжар. *-Думба-жигар билан кабоб олиб келдим, – деди Сайфи.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

ДУМБАЛИ 1 Думбаси бор, катта думбали. *Думбали қўй.* ▬ *Шербекнинг вазифаси ҳам майин жунли, ҳам думбали дурагайлар урчитишдан иборат.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *айн.* **думбадор.**

3 Думба тўғраб солинган. *Думбали сомса.*

ДУМБАЛОҚ: думбалоқ ошмоқ *айн.* **умбалоқ ошмоқ** *қ.* **умбалоқ.** *Ўртага қилтириқ бир бола чиқади ва ҳавода чир айланиб, думбалоқ ошиб сакраб, ҳаммага таъзим қилади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Мовий осмонда сўфитўрғайлар.. думбалоқ ошар, гоҳ ерга тушиб, яшил майсаларда йўрғалаб ўйнар ва тинмай вижирлашар эди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ДУМБУЛ [*ф.* دمبل – тўлиқ пишмаган дон, дуккак] **1** Донли экинлар, меваларнинг таъм кириб қолган, лекин ҳали етилиб пишмаган ҳолати. *Ҳали думбул шафтолиларнинг шохлари ерда.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Чол қуроқ дастурхон ёзиб, сопол тақсимчада думбул ўрикдан қўйди.* Т. Малик, Қадр.

2 Ҳали қотмаган, сутми-қатиқ бўлиб қолган (дон ҳақида). *Думбул жўхори.* ▬ *Бир танобча ерга жўхори экилса, думбул бўлмасдан тамом бўлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нусратбек йўл четидаги майда баргли гулларнинг япроғини титкилаб ўтаётганда, кунгабоқар думбулининг ҳиди анқиди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бошоқлар чайқалар, думбулроқ лекин, Думбул бошоқларда ҳали сут донлар..* Миртемир, Асарлар.

3 *кўчма* Ақлсизроқ, тентакнамо, девонасифат. *Думбул одам.* ▬ *Хўп, бу одамнинг бугун қўли узун. Эртага суроби тўғри бўлгач, бу думбул эркатой нима қилади?* «Ёшлик». *Ярамас, бизни ҳақорат қилди! «Думбулсан!» деди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Ҳаёт тажрибаси бўлмаган; хом, ғўр. *-Ўқишга хафсала қолмадими? -Ҳафсала-ку бор-а, – деди Холдор нималарнидир эслаб, – аммо ўйлаб қарасам, думбул эканман, пишгунимча шоширманг.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Бу замоннинг думбул қизлари наридан-бери бир иш қилиб қўйишади-да, кейин оҳ уриб, чапак чалиб қолишади.* Мирмуҳсин, Умид. *Афсуски, айрим нашриёт ва редакцияларда ғоят масъулиятли ишлар чаламулла, думбул муҳаррирлар қўлига топшириб қўйилган.* «Ёшлик».

5 *кўчма* Мазмунан пишиқ-пухта эмас; хом; қиёмига етмаган. *Думбул асардан фазилат қидирадиган эстетик нўноқ танқидчилар фаолиятига чек қўйиш лозим.* Газетадан. *Шоирнинг "Севги сирлари" тўпламида қиёмига етмаган, думбул шеърлар учраб туради..* Газетадан.

ДУМБУЛЛИК 1 Дон экинлари уруғининг етилиши бошланадиган фаза, босқич, давр.

2 Пишмаганлик, хомлик, ғўрлик (мевалар ҳақида).

3 *кўчма* Ҳаёт тажрибасига эга эмаслик, пишмаганлик, ғўрлик. *Унинг ичида гап ётмайдиган, шалдир-шулдурлиги, думбуллиги Онахонга ёқди.* Мирмуҳсин, Умид.

ДУМДОР [*ф.* دمدار – думи бор, думли] **1** Думи бор; узун думли: *Равшанбек қараса, бир одам ёлдор, думдор бир жийрон отни йўрғасига солиб селкиллаб, ҳа деб йўрғалатади.* «Равшан».

2 *кўчма* Мужмал, нотайин; тагдор, сирли (гап ҳақида). *Думдор гап. Думдор қилиб гапирмоқ.* ▬ *-Бир гап бўлар, деб думдор қилма, – дейди Патар, – хўп бўлади, деб айт.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ДУМ-ДУМАЛОҚ *с. т.* Юм-юмалоқ. *..амакимнинг қисиқ кўзлари йигирма тийинлик тангадай дум-думалоқ бўлиб кетди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Ёдгор ёноқ суяклари туртиб чиққан, кичкина, дум-думалоқ қорачиқли кўзлари ўйнаб турадиган бу йигитни яхши танир эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДУМКАШАК [*ф.* دمکش – думидан тортувчи; ортидан борувчи] *шв.* Орқадан эргашиб юрадиган.

ДУМЛИ 1 Думи бор. *Узун думли от. Думли қўйлар.* ▬ *Сэр телевизор вишкасига анқайиб қолганда, сичқон думли, рапидасимон береткасини шабада учириб кетди, кўнгли хираланди.* «Муштум».

Думли юлдуз *с. т. айн.* **комета**.

2 *кўчма* Ўқишдан қарздор, қолоқ. *У [Карима] раҳбарлик қилган синфда биронта ҳам "думли" ўқувчи қолмади.*

ДУММА-ДУМ 1 Орқама-орқа, орқамакейин, орқасидан қолмай, товонма-товон. *Милиционер йўлни очиб юборди. Кутиб қолган машиналар думма-дум ўта бошлади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *У [Қудрат] думмадум Сорокиннинг кетидан эмаклаб борарди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 *кўчма* Пешма-пеш, пайдар-пай, орқама-кетин. *..колхознинг уч-тўрт машинаси*

Асакадан шағал.. хом ғиштни думма-дум таший бошлади. «Муштум».

ДУМОҚ, думоғ *айн.* **димоғ.** *Бўронбек уйга кириши билан думоғига атир ҳиди урибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДУМПАРАСТ [*ф.* دمپرست — думини ёқтирувчи; парваришловчи] Чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар (пашшахўрлар) оиласига мансуб, катталиги чумчуқдек, эркагининг иккита дум пати жуда узун қуш.

ДУМСИМОН Шакли думга ўхшаган; дум сифатли. *Орқасида думсимон нимадир ерга судралиб келяпти.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Бундай думсимон пуллар Шарқий Африкада яшаган аҳоли ўртасида ишлатилган.* «Фан ва турмуш».

ДУМЧА I **Дум 1-4** с. кичр. шакли. *Наби полвон қиздирилган тамғанинг думчасидан омбир билан қисиб туриб, уни Неққадамнинг билагига босди.* С. Айний, Қуллар.

ДУМЧА II *шв.* Дастасиз, хумчасимон кичкина идиш. *Кўзани чиғирнинг думчаларига тутиб тўлатди ва қизга узатди.* Ойдин, Гулсанам.

ДУМҒАЗА 1 Қушларнинг дум патлари ўсиб чиқадиган бўғим-бўғим суяги.

2 Одам ва ҳайвонларнинг умуртқа охиридаги бўғим-бўғим думчага ўхшаш суяги. *Қуённинг думғаза умуртқалари бир-бири билан қўшилиб кетиб, битта, яхлит суяк — думғаза ҳосил қилади.* «Зоология».

3 Қўйнинг шундай суягига ёпишган ёғ ва гўшти. *Думғаза шўрва.*

ДУНГАНЛАР *этн.* Марказий Осиёда, асосан Қозоғистон, Қирғизистон, қисман Ўзбекистонда яшайдиган халқ. *Ўлкада.. қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, мўғуллар, дунганлар.. яшарди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ДУНЁ I [*а.* دنیا — жаҳон, олам] **1** Бутун борлиқ; коинот, олам. *Боғ кўрки — бодом, Дунё кўрки — одам.* Мақол. *Тил кичик бўлса ҳам, дунёни бузади.* Мақол. ▬ *Дунёда онадан азиз, онадан мўътабар инсон йўқ.* Газетадан. *Дунёда энг даҳшатли нарса — ёлғизлик.* Т. Ашуров, Оқ от.

2 Борлиқнинг, мавжудотнинг айрим бўлаклари йиғиндиси, тўплами. *Юлдузлар дунёси.*

3 Жонли табиатнинг айрим қисмлари, улар яшайдиган муҳит. *Ҳайвонот дунёси. Ўсимликлар дунёси.* ▬ *Табиатни муҳофаза қилиш, жумладан, ҳайвонот дунёсини сақлаш.. ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга.* Газетадан. *Дарҳақиқат, булар [илонлар] газандалар дунёсининг турқи энг совуқ, заҳари энг ўткир вакиллари ҳисобланади.* «Фан ва турмуш». *Кариб денгизида жойлашган Ямайка ороли наботот дунёсининг бойлиги ва ранг-баранглиги билан машҳурдир.* «Фан ва турмуш».

4 Ижтимоий ҳаёт ёки турмушда юз берган (мавжуд бўлган) ҳолатга нисбатан, унга қарама-қарши бўлган бошқа бир ҳолат. *Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Атрофимизни ўраб турган бутун мавжудот; атроф муҳит. *Торга — тор дунё, кенгга — кенг дунё.* Мақол. ▬ *[Отабек] Туш кўрар эди: Дунёни қоронғилик босган эмиш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кўзим очдинг, мен дунёни кенг кўрдим, Ўзимни ҳам одамларга тенг кўрдим.* Ҳ. Олимжон, Асарлар.

6 Ер юзи ва ундаги барча одамлар, инсоният. *Ўзбек пахтакорининг довруғи дунёга таралди.* ▬ *Бутун дунё сени олқишлар.* У. Исмоилов, Сайланма.

7 Ер юзи, ундаги барча қитъалар, мамлакатлар. [*Ҳайдар ота:*] *Агар биров менга "қолган умрингни дунёни саёҳат қилиб ўтказасанми?" деса, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, шу супани бера қол, дер эдим.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Агар дунёнинг нариги бурчагига сизни опичлаб боришга тўғри келсайди, мен севина-севина бажарардим.* Ойбек, Танланган асарлар. *..дунё аҳолисининг тенг ярми гуруч билан тирикчилик қилади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандачилик.

8 Ҳаёт, тириклик. *Бу дунё ўтар-кетар, юзи қоралик қолар.* Мақол. ▬ *Дунёнинг ишлари шунақа экан, дўстим.* К. Яшин, Ҳамза. *Ким дунёдан тоқ ўтибдики, сиз ўтасиз?* С. Аҳмад, Уфқ. *Дунё қизиқ экан. Қачон қарасангиз, етдим деганда қоқиласиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бевафо дунё *ёки* **дунёйи бевафо** Ҳеч ким раҳм қилмайдиган, охири ўлим билан тугайдиган, беқарор ҳаёт. *Пушти паноҳимиздан айрилганимиз ростми? Оҳ, бевафо дунё!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу бевафо дунёда истак ва заруратдан ташқари кўнгил деган нарса ҳам бор экан.* М. Исмоилий,

Фарғона т.о. *Эй дунёйи бевафо! Онангдан айрилибсан, жиян!* Ойбек, Танланган асарлар. **Беш кунлик дунё** Ўткинчи ҳаёт, қисқа умр. *Умр қисқа, беш кунлик дунёда завқ суриш ғанимат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Беш кунлик дунёнинг лойқа сувини нима қиласан, жаннатдаги ҳавзи кавсарни ўйла, аблаҳ!* Ойбек, Танланган асарлар. **Бу дунё** Диний тасаввурларда ердаги мавжуд, яшаб турилган дунё (нариги дунё, охиратга нисбатан). *Ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Унинг васлига етган йигитнинг армони бўлмаса керак бу дунёда!* К. Яшин, Ҳамза. **Дунёга келмоқ** Туғилмоқ. *Бу бош дунёга келиб, нималарни кўрмади-а?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Моҳирабонудан икки ўғил ва икки қиз дунёга келиб, тўнғичи – Азизбек.. тўртинчиси бизнинг Зайнаб эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дунёдан ўтмоқ** (*ёки* **кетмоқ**) Ўлмоқ, вафот этмоқ. *-Тархон жаноблари дунёдан ўтибдилар, – деди сардор ёнидаги отлиққа.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Тақдир орамизга жудолик савдосини соладиган бўлса, Иқбол дунёдан кетди, деб қўя қолинг.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Полопон вақтингиздаёқ ёруғ дунёдан кетдингиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Дунё илми** Дунёвий илм, реал илмий мушоҳада. *Камина охират илмига, сиз дунё илмига моҳирсиз.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Дунёйи қўтир** *ёки* **қўтир дунё** Ҳар хил ҳодисалар, саргузаштлар (яхшилик, ёмонлик, мўлчилик, камчилик ва ш.к.)га тўлиқ бўлган олам. *Бу қўтир дунёда шунақа одамхўрлар борлигига ҳеч ақлим етмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Дунёни танимоқ** Ҳаёт тарзидан, турмуш сирларидан бохабар бўлмоқ; билим олмоқ. *Ўқитувчи дунёни танитади, оламни чинакамига тушунтиради.* «Фан ва турмуш». **Дунё юзини кўрмоқ** *айн.* **дунёга келмоқ.** *Сен дунё юзини кўриб, чақалоқ овозинг жаранглаган кун содда қишлоқ хотинлари билан уйимизда кичкина бир тўй ясар эдик.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ёлғон дунё** Нариги дунё (охират)га нисбатан сохта, алдамчи, ўткинчи ҳаёт. *Аслини сўрасангиз, ҳаммамиз бу ёлғон дунёга меҳмонмиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу ёлғон дунёда қанча от суриб, нечоғлиқ жавлон урганимиз билан бир кун борар еримиз шул тупроқ экан, ҳайҳот!* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ёруғ дунё** Ер юзи, тириклик олами; рўшнолик. *Бу ёруғ дунёга нима учун келдик?* Ҳамза, Асарлар. *Биз ёруғ дунёни кўриш учун туғилганмиз, Турғуной!* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Икки дунё** *айн.* **у дунё-бу дунё.** *Ўзи жуда ақлли-да устозимиз, бунақанги ақлли одамни икки дунёда ҳам тополмайсиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ундай келин энди икки дунёда ҳам бу жаҳонга келмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Мен икки дунёда рози эмасман.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Жон биродар, худо хайрингни берсин, бу яхшилигингни икки дунёда унутмасман.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Мири (бири) кам дунё** Нимадир етишмайдиган, нимадир кам бўлган ҳаёт, турмуш. *Боболар: "Дунёники мири кам икки!" деганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бири кам дунё.* Т. Ашуров, Оқ от. *"Бир кам дунё" эмас бизнинг бу дунё: Барча ҳужайраси тугал бир олам.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. **У дунё-бу дунё** 1) ҳар икки дунё, ҳозирги мавжуд дунё ва нариги – илоҳий дунё. *[Волидамиз:] -У дунё-бу дунё мени рози қиламан десанг, шу хотинни рози қил! – дедилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кимда-ким бировга қўл бериб, ихлос қўйса, у дунё-бу дунё хор бўлмайди.* «Муштум»; 2) асло, сира ҳам, ҳеч қачон. *Вася Тюминга: -Хайр энди, ука, бу қилган яхшилигинг у дунёю бу дунё эсимдан чиқмайди, – дедим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сартарош у дунё-бу дунё хор бўлмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бордию, турмуш қурадиган бўлсанг, у дунё-бу дунё сендан рози эмасман.* С. Кароматов, Олтин қум. **У (***ёки* **нариги) дунё** Диний тасаввурларда кишилар ўлгач, унда абадий яшайдиган, илоҳий, охират дунё (бу, яшаб турилган дунёга нисбатан). *У дунёда шунча нарса бўлса ҳам, ҳеч ким бу дунёдан кеткиси келмайдия.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир-икки куннинг ичида кўзлари ич-ичига тушиб, нариги дунёга равона бўлди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Фоний дунё** Ўткинчи, омонат ҳаёт, тез ўтиб кетадиган умр. *Уста гўр ва жаҳаннам азобини фоний дунёда бир мартаба бўйнига олиб қўйгани учун унча тап тортмади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Хўш, сиз бу фоний дунё лаззатидан кечган.. тарки дунё қилган пири муршидлардан бири экансиз..* К. Яшин, Ҳамза. **Қайтиб келмас дунё** *айн.* **у дунё.** *Ўзбек ойим бўлса, эски гина ва адоватларни қайтиб келмас дунёсига жўнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўтар (***ёки* **ўладиган) дунё** *айн.* **фоний дунё** *Қани, айт, бу ўтар дунё зебу зийнатлари, бу мозордаги омбор-*

ларда ётган ҳисобсиз байтулмоллар фақат сенга керакми? К. Яшин, Ҳамза. *Фармон, кел, ўладиган дунёда бир отамлашайлик.* У. Исмоилов, Сайланма.

9 *кўчма* Кишининг маънавий, руҳий олами, ҳаёти. *Сеҳрлар дунёси. Руҳий дунё. Хаёллар дунёси. Маънавий дунё. Тафаккур дунёси.* ▬ *Шербекнинг дунёси бўм-бўш, ҳувиллаб қолгандек туюлди. Нигорасиз турмушида ҳаловат бўлармиди!* С. Анорбоев, Оқсой. *Сўнагул ўз дунёси билан банд эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Аллаларда онанинг руҳий дунёси, фарзандга бўлган муҳаббати, орзу-ўйлари акс этади.* «Саодат». *Шу биргина сўз унинг [Мадумарнинг] бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида акс эттирган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Хаёллар дунёси кенг, ўткир фикрли бу ҳассос қиз берилиб, кичик-кичик ҳикоялар ёзар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

10 Маълум бир илм-фан, касб-ҳунар, ижтимоий ҳодиса соҳаси. *Адабиёт дунёси. Одамийлик дунёси. Таълим-тарбия дунёси.* ▬ *Адабиёт дунёсида икки турли танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

11 Маълум бир ижтимоий тузумга, ўзига хос маданий ва ижтимоий-тарихий хусусиятларга эга бўлган омиллар билан бирлашган кишилик жамияти ва у мавжуд бўлган давр. *Қадимги дунё. Капитализм дунёси. Цивилизация дунёси.*

Бир дунё Жуда кўп, беҳисоб, беадад; жуда катта. -*Оҳ, дадажон, мен шўрли қариган чоғингизда сизга бир дунё ташвиш бўлдим, — деди Эъзозхон.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ғалаба! Олти ҳарфдан иборат бу сўзда бир дунё қайғу, қувонч ва маъно бор!* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳовлига чиқдим. Мени бир дунё юмуш кутиб турган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Дунёга устун бўлармидинг** "Умр қисқа, абадий яшармидинг" деган маънони ифодалайдиган ибора. **Дунёдан тоқ ўтмоқ** Турмуш қурмасдан, ёлғиз яшамоқ, сўққабош бўлмоқ. *На хотин, на бола-чақа бор. Дунёдан тоқ ўтдик ҳисоб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди эр деган шу бўлибдими? Бундан кўра дунёдан тоқ ўтган яхшироқ, ёлғиз юрган тинчроқдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дунёдан чироқчисиз бормоқ (***ёки* **ўтмоқ)** Фарзандсиз ўтмоқ, бефарзанд қолмоқ. *Ёшим олтмиш тўртга етди, ўғлим-қизим бўлмади.. Дунёдан чироқчисиз бораман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дунё кўзига қоронғи бўлмоқ (***ёки* **кўринмоқ)** Ниҳоятда ғамга ботмоқ, юраги сиқилмоқ; ўта руҳий тушкунликка тушмоқ. *Талъат биринчи курсданоқ Ҳамида деган қизни севиб қолган, шу қиз бўлмаса, дунё кўзига қоронғи, бемаъни кўриниб кетарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Дунё кўрган** Турмуш тажрибаларига эга, ҳаётнинг борди-келдисини кўрган. *Биродари кором, сиз дунё кўрган бир кишисиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дунёни сув босса, тўпиғидан келмайди (***ёки* **тўпиғига чиқмайди)** Беғам, парвойи фалак, ҳеч нарсадан ташвиши йўқ киши ҳақида. *Бу одамлар тўрт ишкали бут, дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайдиган.. кишилардай бамайлихотир, ҳузур қилиб кулишарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Дунёни таниган** *ёки* **дунёдан хабардор** Кўпни кўрган, кўп биладиган, билимли. **Дунё тургунча туринг (***ёки* **турсинлар)** Узоқ умр кўринг. *Дунё тургунча туринг, асти ғам кўрманг.* К. Яшин, Ҳамза. **Икки дунё бир қадам** Писанд эмас, ҳеч гап эмас (кўпинча масофа ҳақида). *Саёқ учун икки дунё бир қадам.* Ойбек, Танланган асарлар. **Икки дунёда** Сира ҳам, асло, ҳеч. -*Мен у билан икки дунёда чиқиша олмайман, — деди Тожибой.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тарки дунё қилмоқ** Ҳаёт лаззатларидан воз кечмоқ. *Асли ўзим тарки дунё қилганман.* «Ўзбек халқ достонлари».

ДУНЁ II [*а.* دنيا — жаҳон, олам] Бойлик, давлат. *Дунёнинг кераклигини бозорда билдим, Охиратнинг кераклигини — мозорда.* Мақол. ▬ *Мунира худди Аҳмаднинг ўзига ўхшарди, уни молу дунё, бойлик қизиқтирмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Унинг бирдан-бир дунёси, умид-орзуси, кўзларининг оқу қораси болалари эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДУНЁВИЙ [*а.* دنياوى — бутун жаҳонга, реал ҳаётга оид] Реал, моддий дунёга, ҳаётга оид, ҳаётий. *Дунёвий ишлар.* ▬ *Бобур.. кўпроқ дунёвий ишлар билан банд бўлди, ўз шеърларида дунёвий муҳаббат, инсоний фазилатлар, реал маҳбубанинг гўзаллигини улуғлади.* «ЎТА». *Онам диний ва дунёвий китобларни ўқиган саводли, ниҳоятда сабрли, одамларга меҳрибон аёл бўлган.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Қуръоннинг ҳеч қаерида дунёвий илмларни эгаллаш керак эмас, деган гап йўқ.* «Фан ва турмуш».

ДУНЁДОР [*а.+ф.* دنيادار — мол-дунё эгаси] Мол-мулки, бойлиги кўп, бадавлат. *Баъзи серпул, дунёдор кўпас бойлар узоқ юртларга ўз гумашталарини юбориб, ўзлари кайф-сафо билан машғул бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ДУНЁ-ДУНЁ Жуда кўп, беҳад, ҳисобсиз, беадад. *Сизга биздан дунё-дунё салом. Дунё-дунё умидлар.* ▬ *Хотиралар.. Бу бир оғиз сўз ўз ичига дунё-дунё воқеаларни сиғдира олади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ДУНЁЛАРЧА *рвш.* Бениҳоят кўп, сон-саноқсиз; буюк, юксак. *Албатта, Юсуфбек ҳожига бу ваъдаларнинг ҳеч аҳамияти йўқ, фақат у ўғлининг соғлиғини билса.. — унинг учун дунёларча мартаба ва ҳурмат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДУНЁЛИК Бойликлар йиғиндиси, хазина. *Олиб боринг буни ғазнахонага, дунёликдан бунинг кўзин тўйғазинг.* «Юсуф ва Аҳмад».

ДУНЁПАРАСТ [*а.+ф.* دنياپرست — бойликка ҳирс қўйган] Бойликни, мол-мулкни жуда ҳам яхши кўрадиган, бойлик йиғишга ўч; молпараст. *Дунёпараст одам.* ▬ *..дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДУНЁҚАРАШ Табиат ва жамиятга, уларнинг айрим воқеа-ҳодисаларига бўлган илмий, мафкуравий, маънавий, илоҳий қарашлар тизими. *Ҳар қандай одамнинг ҳам ўзига хос хулқ-атвори, эътиқоди, дунёқараши бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Навоий ижодида ишқ масаласи шоир дунёқараши, унинг инсон ва ахлоқ ҳақидаги таълимининг* таркибий *қисмидир.* «ЎТА».

ДУО [*а.* دعا — илтижо, чақириш, даъват] **1** *дин.* Худога ёлвориб, унга илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун яхши, эзгу тилак тилаш. *Кўпчиликнинг дуоси кўл бўлур.* Мақол. ▬ *Дуо қилинг, бўлсин менинг фарзандим.* «Эрали ва Шерали». *-Худоё худовандо, қизларимни ўз паноҳингда асрагин! — деб дуо қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тўрт мулла чўкка тушиб олиб.. мен билмаган дуоларни ўқиб.. дам солишяпти.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бувим хавотирга тушиб, дуо ўқидилар.* «Саодат». *Уч тоифа кишилар бордирки, уларнинг қилган дуоларини Тангри ижобат қилмайди.* «Ҳадис»дан.

Дуойи бад *ёки* **бад дуо** Кимсага ёмонлик тилаб қилинган дуо, қарғиш. *Девонаи дарвеш дуойи бад қилиб, юзига фотиҳа тортибдию, жўнаб қолибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бермасанг, дуойи бад қилиб, ишингни хуржунлаштираман.* К. Яшин, Ҳамза. *Нега кўзингни лўқ қилиб, серрайиб турибсан? У шаккокни дуойи бад қил, дуойи бад!* К. Яшин, Ҳамза. **Дуойи жон** Кимсага умр ва яхшилик тилаб қилинган дуо. *Топганимни халтага [ёндафтарга] жамлаб, дуойи жонларини қилиб юрибман.* К. Қаҳҳарова, Чорак аср ҳамнафас. *Мени бу ердан чиқариб юборсангиз, ўла-ўлгунча дуойи жонингизни қилар эдим.* К. Яшин, Ҳамза. **Дуойи хайр** Кимсага яхшилик тилаб қилинган дуо. *Онанинг йигитга дуойи хайри, Эрини кузатган гўзал лабидан.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

2 *дин.* Фотиҳада ўқиладиган қуръон сураси. *Дуойи фотиҳадан кейин ҳаммалари ўринларидан туриб, йўл ҳозирлигини кўра бошладилар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Домла Ниёз Анвар тарафидан дуога қўл очди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шундан сўнг иккинчи хутба ўқилиб, дуойи фотиҳа қилинди.* «Муштум».

3 Кишининг соғлиги, ўлими, бахтсизлигига сабабчи деб ҳисобланувчи турли ёвуз кучлар, инс-жинсларни қайтариш, кимсани кимсага иситиш ва ш. к. учун азаймхонлар, дуохонлар томонидан ўқиладиган ёки тумор ва ш. к. га ёзиб бериладиган матн, хат. *Ўзбек ойимнинг мияси айнадими ёки.. сеҳрчи ҳиндунинг дуоси асар қилдими, ҳар нучук, уч йиллик адоватлар ва гина-кудуратлар барчаси ҳам аллақаёққа қараб учиб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сиз туғмас экансиз, бахтингиз боғланган, фарзандталаблар менинг дуойим билан тўққиз ой деганда фарзанд кўрадилар.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Умуман кишилар бир-бирларига тилайдиган яхшиликлар; яхши ниятлар. *Олтин олма, дуо ол, Дуо олтин эмасми.* Мақол. *Меҳнат билан ер кўкарар, Дуо билан — эл.* Мақол. ▬ *Энасидан дуо олди.* «Нурали». *Элга хизмат қилиб, болам, дуо ол.* «Маликаи айёр». *У кўп одамларнинг тўйида хизмат қилган, юртнинг дуосини олган киши.* С. Аҳмад, Сайланма.

Дуо демоқ (*ёки* **айтмоқ)** Салом демоқ, салом айтиб қўймоқ. *-Худога шукур, тинчлик,*

азаматлар зўр бериб ишлаб ётибди, дуо дейишди, – деди Алим бува. М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Нормат акангга дуо деб қўй, қизим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қудрат акам дуо деб юбордилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Дуода бўлмоқ** Кимсага доимо яхши тилаклар тилаб ўтирмоқ. *Шоду хуррам бўлиб, ўйнаб кул энди, Хафа бўлмай, сен дуода бўл энди.* «Маликаи айёр». **Дуойи салом** Салом ва яхши тилаклар ёзилган хат, мактуб. *Ўғлингиз сизга бир дуойи салом юборган эди.* ▬ *-Боласи тушкур, – деди кулиб Норбобо, – дуойи салом ёзишга нўноқроқ экан, неча бор ёзиб, неча бор ўчириб ташлади!* Ойдин, Ҳикоялар. *Мирзо аризалар ва ўқишга кетган фарзандларга дуойи саломлар ёзиш билан кун ўтказа берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Холмат акаларга кўпдан-кўп дуойи саломимизни етказинг.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ДУОГЎЙ [*а. + ф.* دعاگوی – дуо қилувчи, хайрихоҳ] **1** Дуо қилувчи, дуо ўқувчи; бирор тилак билан худога ёлворувчи. *Ўтирганлар даст туриб, хон дуогўйига қуллуқ қиладилар.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Кимсага яхшиликлар тиловчи; меҳрибон. *Сен бўлгайсан дуогўйим, Жоним эна, хуш қол энди.* «Муродхон». *Афтидан, кампирим қазо қилганга ўхшайди. Дуогўйимдан айрилдим, элат!* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Дуолар ўқиб ёки ёзиб, гўё инс-жинсларни қайтарувчи, шу йўл билан касалларни даволовчи шахс.

4 Иссиқ-совуқчи, азайимхон. *-Мен шу вақтгача дуогўйдан ҳеч шифо топмаганман.. – деди Қаландар деган банди.* С. Айний, Дохунда.

ДУОТАЛАБ [*а.* دعاطلب – дуо изловчи, дуога муҳтож] Дуо ёзиб беришни илтимос қилганлар, дуога муҳтожлар. *Шайх дуоталаб икки аёлга тумор ёзиб бераётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДУОХОН [*а. + ф.* دعاخوان – яхши тилак тиловчи] *айн.* **дуогўй 4.** *Болани кўрсатмаган.. дуохон, азайимхон, қасидахон.. қолмади.* «Олтин олма». *Кўҳна аркнинг ичкари, ташқариси дуохонлар, кўчириқчилар, ромчилар, азайимхонлар, қаландару мунажжимлар билан тўла.* С. Сиёев, Аваз.

ДУОХОНЛИК Дуо ўқиш, дам солиш билан шуғулланишлик. *Зероки дуохонликдаги шуҳратим халойиққа унча ошкора эрмасдур.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *У фол очар, дуохонлик, табиблик қиларди.* Газетадан. *Менинг дуохонлик, фирибгарлик, чайқовчилик каби.. ҳунарлардан ҳам хабарим бор.* «Муштум».

ДУП *тақл. с.* Бирор нарсанинг ерга ёки ичи пўк нарсага урилишидан чиқадиган товушга тақлид. *Бир нарса дуп этди. Дуп этган овоз эшитилди.* ▬ *Қўлдошбой.. қопни бир силтаганди, унинг ичидан қоп-қора думалоқ нарса пўстакнинг устига дуп этиб тушди.* «Ёшлик».

ДУП-ДУП **Дуп** с. такр. *Ойша хола зарда билан дуп-дуп юриб бораркан, бирдан эшик олдида турган, икки кўзи тўла.. қизил жун хуржунни кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ДУПОЯ I [*ф.* دوپایه – икки оёқли] Ямоқчи усталарнинг учи қайрилган темир асбоби.

ДУПОЯ II Мискарлик, нақшгарликда ишлатиладиган сандоннинг узун, думли тури.

ДУППА-ДУРУСТ Яхшигина, бинойидек. *Дуппа-дуруст дўппи. Дуппа-дуруст ёзаяпти.* ▬ *Мен шу машинада дуппа-дуруст пахта териб берган механик-ҳайдовчиларни биламан.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

ДУПУР *тақл.с.* Дупурлаган товуш ҳақида. *От туёғининг қаттиқ дупури тун осудалигини бузди.* Н. Фозилов, Дийдор. *От дупурини эшитиб, хонақоҳидан Зоҳир шайх чиқди.* С. Сиёев, Аваз. *Яқин орадан от пишқиргани, туёқ дупури эшитилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Икки қулоғим чиппа битди, ҳамма ёқни дупур тутди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ДУПУР-ДУПУР **Дупур** с. такр. *..дарвозахона йўлагида дупур-дупур оёқ саслари эшитилди.* С. Нуров, Нарвон. *Шу вақт икки отлиқ дупур-дупур қилиб келиб, Пирназар аканинг эшиги олдида тўхтади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Дам олишга команда берилгач, юздан ортиқ жангчи беш-ўн минут дупур-дупур қилиб, ювиниб, чекиб олди.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси.

ДУПУРЛАМОҚ "Дупур-дупур" овоз бермоқ; дукурламоқ. *Дупурлаб юрмоқ. Юрагим дупурлаб ураяпти.* ▬ *Ташқарида от дупурлади.* С. Сиёев, Аваз. *Пол бирдан дупурлади.* С. Нуров, Нарвон.

ДУР [*а.* دُرّ – марварид, инжу] **1** Инжунинг, гавҳарнинг йирик тури. *Доно – дурдан аъло.* Мақол. *Гул тикансиз бўлмас, Дур – садафсиз.* Мақол. ▬ *Аслида Аҳмад ёқут нима, дур, бриллиант, марварид нима, унча-*

лик фарқига бормас эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Дудоғу билакларида, қулоғу бармоқларида дурру гавҳарлар, олтин безаклар йилтиллаб, бир жаҳон бўлиб, уйқу оғушида ётибди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Бебаҳо ёки энг яхши, аъло, сара нарсалар ҳақида. *Яхшилик шундай дурру гавҳарки, унинг баҳоси ҳеч қачон камаймайди.* Газетадан. *Ҳар сўзи ширин-шакар дур қизлар.* «Муштум».

3 *кўчма поэт.* Қимматли, сермазмун, чуқур маъноли сўз ёки шеър ҳақида. *Мен.. Навоий "Хамса"сининг сарғиш саҳифаларига қараб олиб йиғлардим, кўз ёшларим тўкилиб, Навоий терган дурларга қоришарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қиз сўзласа, оғзидан Дур сочилар, ёр-ёр.* «Қўшиқлар». *Ҳангомада оғзидан дур сочибди.* «Юсуф ва Аҳмад».

4 *кўчма* Ёруғлик, ёғду. *Қуёш сепар нурларин, Ерга заррин дурларин.* З. Диёр, Асарлар.

5 *кўчма* Мева, самара, ҳосил; натижа. *Отам ҳамиша:"Тажриба дурини саралаб тер", — дердилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бағрингга дур сочди олтин пахтазор!* Г. Жўраева, Иқбол. *Гул очилиб сўлгунча, Қурти ўради ипак. Халқ этаги тўлгунча Дур тўкар этак-этак.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

6 *кўчма* Бойлик, давлат; қут-барака. *Тер тўксанг, дур оласан.* Мақол. ▬ *Ерга чигит тушди — дур тушди дейишади.* Газетадан. *Тер тўкилди — дур етиштирилди.* Газетадан.

7 *кўчма* Сув ва унга ўхшаш товланувчан нарсалар (томчи, шудринг, қор учқунлари). *Рўпарамда сонсиз фонтанлар, Қулоғидан дур ёғилади.* Х. Салоҳ, Чашма. *Кечаси тушган шудрингга чўмилган кўм-кўк майсалар худди дур тўккандек чарақлаб, қуёш билан ўпишиб товланади.* О. Ёқубов, Ота изидан.

ДУРАГАЙ [*ф.* دورگه — икки қонли, аралаш қонли; гибрид] Ирсий белгилари жиҳатидан ўзаро фарқланувчи икки ёки ундан ортиқ организмни чатиштириш, дурагайлаш йўли билан олинган насл; чатишма, гибрид (ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида). *Дурагай қўй. Дурагай олма. Дурагай уруғ.* ▬ *Шербек дурагай қўзининг орқа томонидан сездирмасдан борди-да, маҳкам ушлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Олимларни редиска ва карам ёки карам ва шолғом дурагайлари қизиқтириб қолгани бежиз эмас.* «Фан ва турмуш».

ДУРАГАЙЛАМОҚ Ирсий белгилари, зоти, тури бошқа-бошқа икки хил ҳайвон ёки икки хил ўсимликни бир-бирига чатиштирмоқ, шу йўл билан улардан янги бир нав, насл етиштирмоқ. *..дурагайлаш усули кўп меҳнат ва вақт талаб қилади.* Н. Назиров, Атом-селекционер.

ДУРАДГОР [*ф.* درودگر — ёғочга ишлов берувчи, нажжор] Ёғочдан иморат ва бошқа ҳар хил буюмлар ясовчи ҳунарманд, уста. *Ромсоз дурадгор. Сандиқсоз дурадгор.* ▬ *Ҳар куни дурадгор устанинг уйидан қопда қипиқ олиб келиб, [молнинг] тагига тўшайман.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Гавдаси худди дурадгор рандалаган тахтага ўхшаш сип-силлиқ.* С. Аҳмад, Сайланма.

ДУРАДГОРЛИК 1 Дурадгор касби; ёғочсозлик ҳунари. *Дурадгорлик ишлари. Дурадгорлик асбоблари.* ▬ *Акам дурадгорлик, яъни тоқичилик ҳунарига ўргата бошлади.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бодомнинг ёғочи дурадгорлик ва ускунасозлик учун яхши материал ҳисобланади.* М. Набиев, Бодом. *Эшик, дераза, пол, тўсин керакми? Демак, дурадгорлик устахонаси керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Дурадгорлар ишлайдиган жой, устахона; дурадгорлар растаси.

ДУРАДГОРЧИЛИК *с.т.* Дурадгорлик. *[Флагман кемада] Иккита механик устахона, темирчилик, дурадгорчилик устахоналари бор.* «Ёшлик».

ДУРАЛЮМИН *айн.* **дюралюминий**. *Дуралюмин идиш.*

ДУРАНГ I [*ф.* دورنگ — икки рангли; иккиюзлама] Шахмат, шашка, футбол, карта ва ш. к. ўйинларда икки томон кучи тенг келиб, ўйиннинг ҳар иккала томоннинг ғалабасисиз тугалланиши. *Ўйин дуранг бўлди.* ▬ *У кутилмаганда асп билан шоҳ берди, мен ўйинни дуранг билан тугатишга мажбур бўлдим.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз. *Шу аҳволда томонлар дурангга рози бўлишди.* Газетадан.

ДУРАНГ II [*ф.* دورنگ — икки рангли] Маҳси ёки этикнинг чокига кўпинча икки хил рангли ип ёки ипак билан тикилган гулли ҳошия, уқа. *Ҳаккам дуранг этик, Олифта, сатанг, тетик, Яғрин ташлаб, ҳайқириб, ўтганларга кўрсатиб..* Ғ. Ғулом.

ДУРАФШОН [*ф.* درافشان — марвариддур сочувчи] *поэт.* Дурдек ялтираб турадиган.

Ўрта Осиёнинг қайрилма қоши: Бири – Амударё, бири – Сирдарё. Ялт-ялт тебранади тубида тоши, Ёқут янглиғ ёки дурафшон гўё. Т. Тўла.

ДУРАХШОН [*ф.* درخشان – ёруғ, ёрқин, ялтироқ] Ярқироқ, чақнаб турувчи, жилваланувчан. *Илк бор сиз [ўқитувчи] кўрсатган дурахшон Зуҳра Букун шеърим ичра ташбеҳдир мумтоз.* А. Орипов, Йиллар армони.

ДУРАЯ *с.т.* Дурўя. *Дурая рўмол.*

ДУРБИН [*ф.* دور – узоқ + بین – кўрувчи] **1** Узоқни яқин ва катта қилиб кўрсатадиган, узоқдаги нарсаларни кўриш ва кузатиш учун хизмат қиладиган асбоб; бинокль. *Командир дурбинни кўзига тутиб, ҳар томонга қаради.* С. Айний, Қуллар. *Низомиддин ғилоф ичидан дурбин олиб, дарахтни кўздан кечира бошлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *кўчма* Зеҳн, ақл-идрок. *Комилжон – илмли одам, агроном. Унинг дурбини сиз билан биз кўролмаган нарсаларни кўриши мумкин.* И. Раҳим, Ихлос.

ДУР-ГАВҲАР, дуру гавҳар *жуфт с.* **1** Дур ва гавҳар; қимматбаҳо, нодир нарсалар.

2 *кўчма* Маъноли, мазмунли сўзлар, гаплар. *Лайлининг кўнгли очилиб, ҳар сўзидан дур-гавҳарлар сочилиб, шунда қизнинг баҳри очилганини билиб, энаси айтди..* «Фольклор». *Сенга хат ёзгани ўтирдим, Юрагимдан дур-гавҳар тўкдим.* У. Носир, Юрак.

ДУРДА [*ф.* درده – чўкма, қуйқа] **1** Мураббо, қиём, шинни ва ш. к. нинг бетида ҳосил бўладиган қумоқ-қумоқ парда. *Мураббо дурда боғлабди.*

2 Қиздирилган ёғ, сариёғ, шароб ва ш. к. тагига чўккан қуйқум, қуйқа, лойқа. *Шинни дурдаси.* ▬ *Томоғи оғриб, кечаси билан иситмалаб чиқар, онаси ярим кечада уйғониб, сут қайнатар, дурда ёғ қўшиб, ичишга мажбур қилар эди.* «Ёшлик».

ДУРДА-ДУРДА *такр.с.* Бўлак-бўлак, узуқ-юлуқ; тарқоқ маъноли. *Бир қолипга тушолмаган дурда-дурда фикрлар эговлансин.* Ғ. Ғулом, Шеърлар.

ДУР-ДАРОЗ, дуру дароз [*ф.* دورودراز – узун, кўп сўзли; ортиқча] Узундан-узоқ, чўзиқ. *Дур-дароз гаплар. Дур-дароз музокаралар.* ▬ *..дур-дароз шикоятлар қилди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ДУРДОНА [*ф.* دردانه – бир дона дур; ёлғиз бола] **1** Дурнинг сараси; йирик ва тоза инжу. *Гуллар кўпдир бу хилқат аро, Дурдоналар янглиғ сочилган.* А. Исроилов, Биз – дунё одамлари. *Қақир саҳро бугун тўйхона бўлди, Ери – зар, тошлари дурдона бўлди.* Ҳабибий.

2 *кўчма* Тоза, беғубор, дурдек оппоқ. *Сўзи ширин, тишлари дурдонадир, ёр-ёр.* «Қўшиқлар». *Дурдона тишинг, лаъли лабинг Ҳам қора холинг, бу ҳусни камолинг.* Ҳабибий.

3 *кўчма* Бебаҳо, қимматли, нодир, қадрли нарса ҳақида. *Сўз – дурдона, уни одамларга гулдаста қилиб тут.* Газетадан. *Мана, шундоқ битта афсона, Афсоналар ичра дурдона.* Ойбек, Навоий ва Гули. *Дур ичра дурдонам дейман, Ёлғизим, ягонам дейман.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

4 *кўчма* Чуқур маъноли, мазмунли, қимматли. *Дурдона асар. Дурдона сўзлар.* ▬ *Куйла, созим, юрагим, шеърим.. Ҳар бир сатри олмос, дурдона.* Ғайратий. *Бобо ибратнамо афсона бошлаб, Сўзи қимматбаҳо дурдона бошлаб..* Ҳабибий.

5 *кўчма* Бадиий, маданий, маънавий мерос ҳисобланадиган қимматли асарлар, обидалар. *Йиллар ўтаверди, шоирнинг шеърий дурдоналари наслардан насларга мерос бўлиб қолаверди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Турфа хил моддий ва маънавий дурдоналар билан танишар эканмиз, замину замонлар чашмасидан баҳраманд бўламиз.* Газетадан.

6 *кўчма* Экинлардан олинган ҳосил. *Ватан хазинасига 3,5 миллион тоннадан ортиқ дурдона тўкилди.* Газетадан. *Ҳар туп ғўза, ҳар ниҳол Дурдонага айланиб, Чаноқлари урди барқ.* Ғайратий.

7 Дурдона (хотин-қизлар исми).

ДУРКУН 1 Бўлиқ, тўла, гавдали. *Қирмизхон аввалгидан ҳам очилиб кетган.. қўша-қўша узукли қўллари дуркун кўксида қовуштирилган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Бозорқул.. Онабибини кўз олдига келтирди.. у анордек тиқмачоқ, дуркунгина, оташ.* А. Мухтор, Асарлар. *Ҳозирги қўзилар дуркун, териси талабга жавоб беради.* Газетадан.

2 Ўсиқ, ўсиб етилган. *Ғўзалар кўзни қувонтирадиган даражада дуркун эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Дуркун ўтларни хуш кўрувчи тоғ эчкилари юқорилаб кетишди.* «Ёшлик».

ДУРРА(ЧА) I [*ф.* دره – чарм тасма *ёки а.* طره – пешона, кокил] Аёллар пешонага танғийдиган кичик рўмол. *Йигитларнинг кўзи куйсин, деб дуррани чап томонга сал*

қийшайтиброқ танғирди. С. Аҳмад, Жимжитлик. *Сабогул кўз ёшларини дуррасининг учига артиб, Шералини уйга таклиф этди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Гавҳар бошида юлқинаётган дуррачасини томоғи остидан танғиб боғлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДУРРА II *бот.* Ғалладошлар [ғаллагуллилар] оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик; донли жўхорининг бир тури.

ДУРРОНИЙЛАР *этн.* Афғон миллатини ташкил этувчи йирик қабилалар уюшмаси.

ДУРСИЛЛАМОҚ «Дурс-дурс» товуш чиқармоқ. *Тулпор боради ҳарсиллаб, Туёғи ерга дурсиллаб.* «Маликаи айёр».

ДУРУСТ [*ф.* درست – тўғри, ҳалол; бутун, комил] **1** *сфт.* Яхши, тузук. *Дуруст одам.* ▬ *Ҳусайн Бойқаро ҳарбий санъатни дуруст билар эди.* Ойбек, Навоий. *Шундай қарорга келингани анча дуруст бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *крш с. взф.* Маъқул, яхши, ўринли. *Раҳимбойнинг қишлоғиданми? Ҳа, дуруст.* С. Аҳмад, Уфқ. *Дуруст, мен гапингизга ишонаман, лекин ановларни ишонтириш учун кучли далил керак.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Соғ, тетик, соғ-саломат. *Мурод энди ўзини анча дуруст сезарди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Терговчи келганида, Қудратулло ўзини анча дуруст ҳис қиларди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

4 Мўл, кўп, унумли. *Бу йил сабзавот экинларидан ҳам дуруст ҳосил олинади.* Газетадан. *Сидиқжон тушки дам олишдан кейин кечгача хийла дуруст ишлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Муносабати яқин ва жойида, ўзаро қалин. *Уста Турдиали худо билан дуруст эди, уч ярим яшар қизчаси ўлди-ю, ораси бузилди.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

ДУРУСТЛАМОҚ Ўз ҳолига келтирмоқ, ўрнига қўймоқ, яхшиламоқ, тузатмоқ. *Ҳозир буни омонат қўйиб кетай, эрта оқшомгача биров сезмаса, дурустларман.* Ҳамза, Асарлар.

ДУРУСТЛАШМОҚ 1 Дурустламоқ фл. бирг. н.

2 Дуруст бўлиб қолмоқ, тетикланмоқ, яхшиланмоқ. *Кечга яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди, иссиғи озайди, нафас олиши ҳам аста-аста дурустлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДУРУСТЛИК Яхшилик ҳолати, кўнгилдагидек ҳолат. *Дурустлиги шуки, ўзи доктор! Доктор бўлганда ҳам, чаққонгина доктор экан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ДУРУСТ-НОДУРУСТ *жуфт с.* Ўринли-ўринсиз, ўйламай гапирилган; тўғри-нотўғри. *Дуруст-нодуруст сўзга сабр айлаган Эрур яхши ҳозиржавоб лақмадан.* «Ақл ақлдан қувват олади».

ДУРУҒ [*ф.* دروغ – ёлғон, алдов гап] *кт. айн.* **ёлғон.** *Дуруғ гап.*

Дуруғ айтмоқ (*ёки* **қўшмоқ)** 1) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ. *..ушбу мурофаада [улар] ҳақ сўзни айтмоқлари, дуруғ қўшмасликлари.. зарур.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота; 2) янглиш, хато айтмоқ. *Мен дуруғ айтган бўлсам, китоб сўзига амал қилдим-да, икки мўминни битиштириш учун сўзладим-да!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ДУРФИШОН [*ф.* درفشان – дур сочувчи] *айн.* **дурафшон.** *Кел, ишқ йўлида кўзларингни, Эй Нодира, дурфишон этиб кет.* Нодира.

ДУРЎЯ [*ф.* دورویه – икки томони бир хил, икки томонлама] Икки томони бир хил қилиб тўқилган маҳаллий мато тури. *Дурўя рўмол.* ▬ *Нимшойи матоларнинг дагир ёки дурўя деган турлари табиий ипакдан ўралади, арқоғи очиқ рангли ипдан бўлади.* «Фан ва турмуш».

ДУСАҚ *шв.* Икки ёшли қўй.

ДУСТ [*ингл.* dust – чанг] Дезинфекция қилиш, зараркунанда ҳашаротлар (қурт, қандала, бурга, пашша, куя ва б.)ни қириш, ўлдириш мақсадида ишлатиладиган кимёвий кукун, порошок. *У гугурт қутичасига кўсак қуртини солиб, устидан дуст сепди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ДУСТУМАН *шв. фольк.* Тўнкарилган ҳолда, юзи пастга қараб (ётмоқ, йиқилмоқ). *Олиш кўрганмисиз ўзи?! Дустуман бўлмаса, ҳисоб эмас.* «Ёшлик». *Подшо тахти олдига бориб, дустуман йиқилди.* «Кунтуғмиш».

ДУТ I *айн.* **дуд** I **1.** *Эшигингдан ўтволай, Чилимимга дут олай.* «Оқ олма, қизил олма». *Дут қўйиб ётган ерда нима бор, ўтинчими, кўмирчими, ўзлари ўт ёқиб ўтирар.* «Маликаи айёр».

ДУТ II *тақл. с. айн.* **дуд** II**.** *Бир ҳафтаки, машина дут этса, эшик ғичирласа, кўчага болалар чувуллашиб қолишса, кўзи тўрт.* С. Сиёев, Райҳон.

ДУТО [*ф.* دتا – эгилган, икки букилган] *поэт.* Эгилган, букилган, букчайган. *Эсида она шўрлик, мунису ювошлиги, Қаддининг дутолиги, меҳрининг дарёлиги.* Миртемир, Асарлар. *Мусибат остида рост қомати дуто кўринур.* С. Абдулла, Танланган асарлар.

ДУТОЛИК 1 Эгилганлик, букилганлик.

2 *кўчма* Ожизлик. *Бош эгмоққа жазм этганим – дутолигим эмасдир.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

ДУТОР [*ф.* دوتار – икки тор, икки торли] Икки торли, чертиб чалинадиган узун дастали мусиқа асбоби. *Дутор чалмоқ. Дутор чертмоқ. Дуторсиз бахши бўлмас, Ёмонсиз – яхши.* Мақол. ▬ *Дутор товуши қандайдир ўзининг бир ҳасратини сўзлагандек, ҳикоя қилгандек бўлиб эшитилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Муҳаббат – дутор, эҳтиёт қилиб турмасанг, тоб ташлайди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ДУТОРБОЗ [*ф.* دوتارباز – дутор чалувчи; дутор ишқибози] *айн.* **дуторчи.** *Дуторбоз дуторини чертиб, найчи найини тортиб, сухангарлар қўшиқ айтиб, базм жуда авжига чиқди.* «Маликаи айёр».

ДУТОРБЎЙИН Бўйни узун ва хушбичим (асосан от ҳақида). *Дуторбўйин араби отлар, "Чу", деса бир қирдан ҳатлар.* «Равшан».

ДУТОРЧИ 1 Дутор чалувчи созанда. *Дуторчи дуторнинг қулоғини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Дутор ясовчи уста.

ДУХОБА 1 Орқаси ип, юзи текис ва қалин ипак туклар билан қопланган мато; бахмал, бархит. *Қизил духоба. Қора духоба. Духоба кўрпа.* ▬ *Мошранг духоба дўппили, тўққиз-ўн яшар чиройликкина бола – болаларнинг каттаси эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Чий духоба. *қ.* **чий. Ғижим духоба** *қ.* **ғижим** I. *Мен янги, бели бурма, сариқ чий духоба костюмим билан шалваримнинг чангини қоққанча, бирпас гарангсиб, аланглаб турдим.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

2 *кўчма* Бир текис ва қалин ўсган. *Қирларда духоба майсалар.* Уйғун. Тонг қўшиғи.

ДУХОБАГУЛ *бот.* Гули қизғиш ва юзи духобага ўхшаш қалин ва майин гул нави. *Духобагулларга дудоқ теккизиб, Ҳар саҳар шабада ўйнаб ётади.* Уйғун.

ДУХОВКА [*р.* дух – ҳаво] Ошхона плитаси ёки газ плитасининг ичига ўрнатилган, қиздириб турли таомлар пишириладиган махсус тунука қути. *Духовкада пирог пиширмоқ.* ▬ *Холиса духовкадаги димланган товуқни ағдариб қўйиб, қўлларини сочиққа артди.* С. Нуров, Нарвон.

ДУХОВОЙ [*р.* дуть – пуфлаш]: **духовой оркестр** Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари оркестри. *Ибодуллани эрталаб духовой оркестр садоси уйғотиб юборди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ДУХТАР [*ф.* دختر – қиз] *с.т., шв.* Қиз. *Тезлик билан келсин хоннинг духтари.* «Гулихиромон». *Отим Ларзонойдир, боғбонга духтар..* «Гулихиромон».

ДУЧ: дуч келмоқ (*ёки* **бўлмоқ)** 1) учрашмоқ, тўқнашмоқ, рўбарў келмоқ, юзма-юз келмоқ. *Йўлакка чиқиши билан Анварга дуч келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кушандаси дуч келганда, шундай ҳам думини хода қилар эдики..* А. Қодирий, Кичик асарлар; 2) йўлиқмоқ; гирифтор бўлмоқ. *Хусусан, ўқишнинг дастлабки йилида бола кўпгина қийинчиликларга дуч келди.* «Фан ва турмуш». *Расо тўққиз эканда ёшим, Бир балога дуч келди бошим.* Ҳ. Олимжон. **Дуч келган** Тўғри келган; ҳар қандай; насиб қилган. *Қиз дуч келган биринчи таксини тўхтатди.* «Ёшлик». *Тўйда ошни дуч келган одам дамларди.* «Ёшлик». *Дуч келган ерларда ётиб юрадиган дайдига ўхшайди.* «Шарқ юлдузи».

ДУЧАВА, дучўба / дучўва [*ф.* دوچوبه – икки(та) чўп] Ўзбек анъанавий ноғорадоира усули.

ДУЧМА-ДУЧ Юзма-юз, рўпара. *Мана, дучма-дуч келдик.* К. Яшин, Ҳамза.

ДУЧОР [*ф.* دچار – рўпара, тўқнаш келган; мубтало бўлган]: **дучор бўлмоқ** 1) учрамоқ, учрашмоқ, юзма-юз келмоқ. *Ясси қир бағрида сен бўлдинг дучор.* Миртемир, Асарлар. *Дучор келса, қирқ минг девни ўлдирай.* «Маликаи айёр»; 2) гирифтор бўлмоқ, мубтало бўлмоқ, йўлиқмоқ. *Қанд касалига дучор бўлганлар учун овқатланишдан олдин янги сабзи ва бодринг ейиш тавсия қилинади.* «Фан ва турмуш». *Севги дардига мени Дучор этиб қўйдинг, хаёл.* Газетадан.

ДУШ [*фр.* douche < doucher – сув қувури; сув сепиш] **1** Ювиниш ёки даволаниш учун сувни майда тешиклардан ёмғирдай ёғдириб берадиган қурилма. *Душ остида*

ювинмоқ. Врач унга ўн душ буюрди. ▬ *Жимжитлик.. Фақат у ер-бу ерда ишлаб турган душларнинг шовуллаши эшитилади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Шундай қурилма ўрнатилган хона. *Душга кирмоқ.* ▬ *У душга тушиб, ювиниб чиқди-да, устидаги кийимларини ўзгартирди.* Ойдин, Ҳикоялар.

ДУШАНБА [*ф.* دوشنبه – икки шанба; шанбадан кейинги иккинчи кун] Ҳафтанинг биринчи куни, якшанбадан кейинги, сешанбадан олдинги кун. *[Отабек] Душанба куни кечаси бир эмас, уч душман билан кураш тўғрисидагина ўйлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Водил – қадимдан бозор қишлоқ. Бу ерда ҳар душанба куни ниҳоятда гавжум, тирбанд бозор бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

ДУШВОР [*ф.* دشوار – мушкул, қийин, оғир; хавфли] Қийин, мушкул, оғир. *Душвор иш.* ▬ *Сиз жуда баландда, мен қуйидаман, Ҳа, сизни севмаслик душвор, бибижон.* Миртемир, Асарлар. *Ҳижрон, ҳижрон оғирдир зилдай, Висол, висол тотли ва душвор.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

ДУШМАН [*ф.* دشمن – ёв; мухолиф; бадхоҳ] **1** Дунёқараши, манфаатлари, хатти-ҳаракати бир-бирига қарама-қарши бўлган, ўзаро ғаним, рақиб сифатидаги томонларнинг ҳар бири. *Ғоявий душман. Дўст ачитиб гапиради, душман – кулдириб.* Мақол. *Тикан заҳри учида, душман заҳри ичида.* Мақол. *Душманнинг катта-кичиги бўлмайди.* Мақол. ▬ *Булар [Шарқ мутафаккирлари] зулм-зулмат, адолатсизлик, жаҳолат, хурофотнинг ашаддий душмани эдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *ҳарб.* Урушда ўзаро бири иккинчиси билан жанг қилувчи, бир-бирига қарши уруш эълон қилган томонлардан ҳар бири; ёв. *Душман билан бўладиган жангларда қўрқоқлик қилманглар.* «Ҳадис»дан. *Полк мудофаа қилиб ётган район устида душманнинг неча юзлаб самолёти беҳисоб бомба ёғдирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *кўчма* Инсонга ва умуман бирор нарсага зарар келтирувчи кимса, нарса, ҳодиса. *Ёввойи ўт – ҳосилнинг душмани. Жаҳл – душман, ақл – дўст.* Мақол. *Сўнгги пушаймон – ўзингга душман.* Мақол. ▬ *Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..тушкунлик – энг ёмон душман.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ДУШМАНЛАШМОҚ Бир-бирига ёв, ғаним, рақиб бўлиб қолмоқ.

ДУШМАНЛИК 1 Бирор кимсага ёв, ғаним, мухолиф бўлишлик; бировга ёмонлик қилишлик; кўролмаслик. *Нури бу оилага тушгач, уч кун ўтар-ўтмас, икки қайнана – кундошлар орасидаги душманликни сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Душманларча иш, хатти-ҳаракат. *Душманлик кўрсатмоқ. Душманлик қилмоқ.* ▬ *Душман душманлигини қилар экан.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

ДУШМАНЧИЛИК *айн.* **душманлик 2**. *Ораларида душманчилик пайдо бўлди.*

ДУШОХИ [*ф.* دوشاخه – икки шохли; ёғоч паншаха] Миллий нақш турларидан бири. *Содиқжон бойваччанинг тош пойдевор устига солинган, олди сирли айвон, душохи.. нақшлар билан безатилган.. меҳмонхонасида.. икки кумуш қандил париллаб ёниб турибди.* К. Яшин, Ҳамза.

ДУШХОНА Душ ўрнатилган хона. *Душхона қурмоқ.* ▬ *Ҳамма дала шийпонларида душхоналар бор.* Газетадан.

ДУЭЛЬ [*фр.* duel – олишув, жанг < *лот.* duellum – уруш, жанг] Икки шахснинг орномус талашиб, маълум шартлар асосида яккама-якка қиличбозлик қилиши ёки отишуви. *Дуэлга чиқмоқ.* ▬ *Ўрта асрларда баҳс юритаётган одам ўз ҳарифига: "Сиз ҳақсиз, мен енгилдим", дейишдан кўра уни дуэлга чақиришни афзал кўрган.* «Фан ва турмуш».

ДУЭТ [*итал.* duetto < *лот.* duo – икки] *мус.* **1** Икки мусиқа асбоби ёки икки хил овоз билан ижро этиладиган мусиқа асари. *Дуэт – икки ашулачининг икки овозда айтиши учун ёки иккита чолғу асбобида чалиш учун мосланган музика асари.* И. Акбаров, Музика саводи.

2 Шундай асарни ижро этувчи икки созанда ёки навозанда. *Улар Тоҳир ва Зуҳра ариясини дуэт бўлиб айтишди.* Газетадан.

ДУҲЎЛ [*урдуча* دهل , دهول – катта ноғора] Ҳарбий юришларда, овга чиқишдан олдин чалинадиган қадимий дўл ноғора (*яна қ.* **дўл** III).

ДЮЖИНА [*фр.* douzaine < *лот.* duodecim – ўн икки] Ўн икки дона (бир хилдаги нарсалар ҳақида). *Бир дюжина қошиқ.* ▬

Майхонанинг панароқ бир бурчагига ўтириб, Саидий бир дюжина пиво буюрди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ДЮЙМ [*голл.* duim – бош бармоқ] Ўтмишда Россияда ва ҳозир Англияда: 25,4 миллиметрга тенг узунлик ўлчови.

ДЮЙМЛИК Дюйм узунлигидаги, дюймга тенг. *Бир дюймлик тахта (қалинлиги бир дюйм тахта; дюймовка).* ▬ *Уч дюймлик труба. Уч дюймлик трубадан 150 метр олиб берсангиз.* Н. Юсупова, Боғдаги суҳбат.

ДЮКЕР [*нем.* Duker < *лот.* ducere – ўтказмоқ] Ариқ, канал сувларини улар йўлидаги тўсиқлар (бошқа канал, дарё, дара, йўл ва ш. к.) билан кесишган жойдан ўтказиш учун ётқизилган қувур шаклидаги, муайян босимли сувўтказгич қурилма, иншоот.

ДЮНА(ЛАР) [*нем.* Dune] Шамол таъсирида ҳосил бўладиган (тўпланадиган) ва узлуксиз силжиб турадиган қум тепалари.

ДЮРАЛЮМИНИЙ [*нем.* < айни қотишма дастлаб ишлаб чиқарилган Дюрен шаҳри номидан + алюминий] Алюминийнинг мис, қисман марганец, магнит, темир билан қотишмаси.

ДЎЗАНДА [*ф.* دوزنده – тикаётган; тикувчи] Игна билан тикувчи (машиначи, пойабзалдўз ва ш. к.) *[Унинг] Йигирматадан кўпроқ дўзандаси бор эди.* С. Айний, Қуллар. *Сартарош соқолга, дўзанда оёққа қарайди, деганлари рост экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ДЎЗАНДАЛИК Игна билан кашта ва кийим тикиш иши, дўзанда касби. *Касби – дўзандалик. Дўзандалик қилмоқ.*

ДЎЗАХ [*ф.* دوزخ – жаҳаннам] **1** Диний тасаввурга кўра: ўлган, дин талабларини бажармаган гуноҳкор бандалар охиратда абадий азобланадиган жой; жаҳаннам. *Дилозорларнинг ҳаммаси дўзахга маҳкумдир.* «Ҳадис»дан. *Дўзахни зино қилган, бировнинг ҳақини еган гуноҳкор бандаларимга яратганман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 *кўчма* Кишини ортиқ азоб-уқубат ва мушкул аҳволга солувчи шароит, муҳит, ҳолат. *Яхши рўзғор – жаннат, ёмон рўзғор – дўзах.* Мақол. ▬ *Бу ғамхона кошона унинг учун дўзах-ку!* К. Яшин, Ҳамза.

ДЎЗАХИ [*ф.* دوزخی – дўзах азобига маҳкум, лойиқ; дўзахга тушган, лаънати] **1** *дин.* Дўзахга тушишга лойиқ бўлган гуноҳ ишлар қилган шахс, дўзахга маҳкум. *[Имом:] "Улар худонинг қаҳр-ғазабига учрайди, барчаси дўзахи", дер экан.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 *кўчма сўк., қарғ.* Ёмон, бадфеъл кишига нисбатан қўлланади. *Ие, яхши танимиз у кишини. -Бўлмаса, уста Баҳром ўша дўзахининг божаси бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДЎКАЙ *с. т.* Бирор жой, ташкилот, ҳокимиятнинг мансабдор катталаридан, казоларидан ҳисобланадиган кимса; кузир. *Маҳалла дўкайлари.*

ДЎКОН [*а.* دکان – магазинча; чодир, устахона] **1** Бирор нарса сотиш учун махсус жиҳозланган савдо-сотиқ хонаси, корхонаси; магазинча. *Баққол дўкони. Китоб дўкони. Дўкон мудири. Ёмон чўпон тиконга берар, Яхши чўпон – дўконга.* Мақол. ▬ *Амакингизнинг дўконига яхши шоҳилар, бахмаллар келибди, олмайсизми?* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Тўғри газета-журнал дўконига йўл олди.* «Шарқ юлдузи».

2 Ҳунармандларнинг ишхонаси. *Темирчи дўкони. Бўёқчи дўкони. Сартарошлик дўкони.* ▬ *[Мулла Обид] Тинчимайди: гузарда ямоқчилик дўкони очиб, ҳам ўзининг, ҳам қишлоқнинг эҳтиёжини ўтаб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Ҳунармандлар фойдаланадиган дастгоҳ; станок. *Тўқув дўкони. Дўкон тўқисанг – бўз бўлар, Чарх йигирсанг – тўн бўлар.* Мақол. ▬ *Уйларида дўкони ҳам бор: алача.. жанда тўқийди.* Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари.

ДЎКОН-ДАСТГОҲ *жуфт с.* Косибларнинг дўкон ва дастгоҳлари, бошқа иш асбоблари мажмуи. *Ота ўлиб, боласига дўкон-дастгоҳ мерос қолмаса, одамлар: "гадо бўлар экан, шўрлик", деб бош чайқашарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Дўкон-дастгоҳни йиғиштирмоқ (*ёки* **кўтармоқ)** *айн.* **дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ (***ёки* **кўтармоқ)** *қ.* **дов-дастгоҳ.**

ДЎКОНДОР [*а.+ ф.* دکاندار – дўкони бор, дўкон эгаси] Хусусий дўконида мол сотувчи савдогар; дўкон эгаси. *Дўкондорлар, ўткинчи одамлар маҳлиё бўлиб, илон ўйнатувчига йўл берарди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

ДЎКОНДОРЛИК Дўконга эгалик; хусусий дўкон очиб, савдо билан шуғулланишлик.

ДЎКОНХОНА Ҳунармандлар дўкони (дастгоҳи) жойлашган хона, жой; ҳунармандлар ишхонаси. *Бўзчининг дўконхонаси.* ▬ *Юпқа девор билан ҳовлига ажратилган дўконхонада Шокир ота ишлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЎКОНЧА Кичкина дўкон, савдо шохобчаси. *Савдога киринг. Савдода гап кўп. Мен сизга овлоқроқ бир дўконча олиб бераман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДЎКОНЧИ *айн.* **дўкондор.** *Тўйчи дўкончининг ҳам еган-ичгани бурнидан булоқ бўлиб чиқади.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *От-арава, машина шиббалаб юборган текис йўлдан сал юрганимиздан кейин, орқамиздан дўкончи йигит ҳаллослаб етиб келди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ДЎЛ I Юмалоқ ва б. турли шакл, турли катталикдаги муз парчаларидан иборат атмосфера ёғини. *Айрилган йўлда қолар, Бўлинган — дўлда.* Мақол. ▬ *Дўл шундай шиддат билан ёғар эдики, ердан чанг кўтарилиб, ҳавони ғубор босди, кундуз қоронғилашди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Дўлда қолгандай Юзи чўтир кимса ёки нарса ҳақида. *Юр, Содиқ жияним, башарангми бу ёки дўлда қолган таппими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДЎЛ II [*ф.* دول — челак, чўмич; воронка] Тегирмон тоши тепасига ўрнатилган пирамида шаклидаги идиш, хампа (тортиладиган дон дўлга солиниб, ундан коса орқали тошга тушади). *Йўлчи йўлини билар, тегирмончи — дўлини.* Мақол. ▬ *Саҳар пайтларида.. икки дўлни янги буғдойлар билан тўлғазгач, Эгамберди ака ухлашга ётади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ДЎЛ III Уруш майдонларида ёки улкан тантаналарда чалинадиган катта ноғора. *Карнай-сурнай, дўл, ноғораларнинг такатуми осмон ёқасини йиртиб солгудек.* К. Яшин, Ҳамза. *Дўл қоқа оламан, карнай чала оламан.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ДЎЛАЙМОҚ *шв.* **1** Кўзини чақчайтирмоқ, ўқраймоқ. *Қиём, кўзи дўлайиб, Қурбонга тикилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Манглайида битта кўзи Боқар эди дўлайиб.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Кимсага калтак ёки мушт кўрсатиб дўқ урмоқ. *-Ҳаддингдан ошма, — дўлайиб ўшқирди Дуранбек.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз. *Рустам тишларини ғижирлатиб, муштини дўлайтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Собир депсиниб, итга муштини дўлайтирди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *У кафтини дўлайтирганча нималарнидир деб дағдаға қилди.* «Шарқ юлдузи».

ДЎЛАНА [*ф.* دولانه — олмачасимон мевали дарахт] **1** Раънодошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб, кўпинча тоғли жойларда ёввойи ҳолда ўсадиган, сариқ ёки қизғиш, думалоқ мевали дарахт ва унинг ейишли меваси. *Жондан кечмасанг — жонона қайда, тоққа чиқмасанг — дўлана қайда?* Мақол. ▬ *Тўп-тўп ўсган ёввойи дўлана, наъматак шохларида чумчуқлар чуғурлашарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Шу дарахт ёғочидан ишланган мунчоқ. *У [амаки] йўғон калта бармоқлари билан айвонда дўлана тасбеҳ ўгириб ўтирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эшакка дўлана таққандек, сенга фартуқни ким илиб қўйди?* И. Раҳим, Ихлос.

ДЎЛАНМОҚ *шв.* Қайрилмоқ, букилмоқ, бурилиб айланиб ўтмоқ. *Кирди йўлга дўланиб, Синглиси бунда қолди.* «Муродхон». *Тоғлардан дўланиб ўтдик.* «Юнус пари».

ДЎЛВАР *шв.* **1** Гавдаси катта, йўғон, барваста (одам ҳақида). *Дўлвар йигит.* ▬ *Далаларни пиёда кезсангиз.. дўлвар йигитларни, лобар қизларни кўрасиз.* Газетадан.

2 Кенг, тўкис. *Дўлвар кўйлак.*

3 Содда, гўл. *Тилавовнинг очиқ қўл, дўлварлигига кўп кишилар беш кетади.* Газетадан. *Менинг талқинимдаги Яхшибоев, ёшлик пайтларида ўта жўн, ўта дўлвар, ўта ёқимтой туюляпти.* М.М.Дўст, Лолазор. *Арслонқулнинг соф юрагини.. табиий ақлини ифодаловчи дўлвар сўзларини кўпроқ эшитгиси келди.* Ойбек, Навоий.

ДЎЛМА Қиймани ток, карам баргига ўраб ёки помидор, бақлажон ва ш. к. нинг ичига солиб пиширилган овқат. *Палов десанг — пайшанбага, Дўлма десанг — душанбага.* Мақол. ▬ *Меҳмонлар ўтиришгач, Расулбек буғи чиқиб турган каклик дўлмани ўртага қўйди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ДЎЛОБ *шв.* Кўнгилчан, сахий, саховатли, қўли очиқ. *Раисимиз Сотиболдиев феъли кенг, хийла дўлоб одам. Ёрдам сўраганни ноумид қайтармайди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ДЎЛОП I *шв.* Кўпол, бесўнақай.

ДЎЛОП II *шв.*, Серодам, гавжум.

ДЎЛОП III *шв.* Ҳар хил навли донлар аралашмаси.

ДЎЛТА I *шв.* Юмалоққина, лўппи, дўмбоқ. *Дўлта бола.* ■ *Арслонқул унинг юмшоқ дўлта юзини бармоқлари билан аста қисиб, қалъага чопди.* Ойбек, Навоий. *Мана сиз, бўйингиз паканароқ, лекин.. жудаям дўлта йигитсиз.* М.М.Дўст, Лолазор.

ДЎЛТА II *шв.* Қаймоқни қиздириб, ёғини олгандан кейин қозонда қоладиган жиззасимон ейишли қисми.

ДЎЛЧА [*ф.* دولچه – сув челак, кўза] *шв.* **1** Ҳовуздан мешга сув олишда ишлатиладиган чарм идиш, чўмич.

2 Мисдан чуқур косага ўхшатиб ясалган рўзғор буюми.

ДЎМБАЙМОҚ Туртиб, қаппайиб чиқиб турмоқ. *Чўнтагим дўмбайиб қолди.* ■ *Қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори-қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга соме каби эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДЎМБАЛОҚ: дўмбалоқ ошмоқ *айн.* **умбалоқ ошмоқ** *қ.* **умбалоқ.** *Даврон сальто қилгандай дўмбалоқ ошиб тушди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ДЎМБИЛЛАМОҚ 1 Лўппи, дўмбоқ болаларнинг селкиллаб, чаққон-чаққон қадам ташлаб юриши ҳолатини ифодалайди. *Эшик ёнида уч-тўрт ёшли қизча дўмбиллаб юрибди.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз.

2 Семиз, бақалоқ кимсаларнинг тез-тез лапанглаб юриш ҳолатини кўрсатади. *Карим қизиқнинг дўмбиллаб кириб келишини кўрган улфатлари кулгига шайланишаверди.* «Муштум».

ДЎМБИРА [تنبور – танбур сўзидан] *мус.* **1** Икки торли, пардасиз, дуторга қарағанда калтароқ, чертиб чалинадиган чолғу асбоби. *Ўроз дарахтга суяниб, дўмбирасини чертар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отам дўмбира чертар эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 *с.т.* Барабан. *Дорбоз киндикка келган бўлса керак, дўмбиранинг бир маромда дириллаши эшитилди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

Дўмбира қилмоқ 1) дўмбира сингари шишириб юбормоқ. *Француз солдатлари бўлса, халоскоримиз сенсан, деб ўпишавериб, икки бетимни дўмбира қилиб юборишди.* К. Яшин, Номус ва муҳаббат; 2) қаттиқ танқид қилмоқ, ҳақиқий башарасини, кирдикорларини очиб ташламоқ. *Бунақанги мишмишларни ёзиб дўмбира қилинмаса, оғзаки гап билан битириш қийин.* «Муштум»; 3) шовшув кўтармоқ, миш-миш гап қилиб юрмоқ. *[Саидов] Лалайган десам, гапдон чиқиб қолди-ку, мана шунақалар кишининг сирини дўмбира қилади-да.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

ДЎМБИРАЧИ 1 Дўмбира чалувчи, чертувчи; дўмбира билан куйловчи. *Дўмбирачи энди "Қози"ни қарғай бошлади.* А. Суюн, Олис тонглар.

2 *с.т.* Барабанчи. *Шу пайт майдонга олдинда дўмбирачиси билан саф тортиб мактаб болалари кириб келишди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДЎМБОҚ 1 Дўмпайган, дўмпайиб (кўтарилиб) чиққан. *Дўмбоқ пешона. Дўмбоқ жой.* ■ *Қўлларини пастга тушириб, дўмбоқ тиззаларини ёпиб ўтирди.* С. Нуров, Нарвон. *..тепаликдаги хароб қишлоқ гўристони ва онасининг дўмбоқ қабригина бутун чинлиги билан унинг кўзларига.. қадалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дўмпайиб, кўтарилиб турган жой ёки нарса. *Пешонасида дўмбоғи бор.* ■ *Учларида ботаётган қуёшнинг шуъласи ўйнаган иккита адил оқ қайин орасида дўмбоқ пайдо бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *кўчма* Тўладан келган, семиз, лўппи. *Дўмбоқ бола.* ■ *Йўлда Шамсиқамар деган дўмбоқ жувон билан учрашиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид. *Темирбек дўмбоққина йигит, жиндек овсарлиги ва довдирлиги ҳам бор.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ДЎМПАЙМОҚ 1 *айн.* **дўмбаймоқ.** *Катта тут ёғоч кўланкасида дўмпайган янги қабрни қучиб, соатларча йиғлаб, тинкалари қуригандан сўнг қайтишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамма ариқ уватида дўмпайиб ётган бир қорани кўрди.* «Ёшлик».

2 Мукка тушиб ётмоқ. *Ишдан кейин ҳеч қаёққа чиқмайди, узоққа бормайди, бўш қолса, айиқдай дўмпайиб ухлайди.* А. Мухтор, Асарлар. *..чарчаган болалар ҳар ерда дўмпайиб ухлаб қолишди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ДЎНА-ДЎНА *шв. фольк.* Ёпирилган, даҳшат солган ҳолда. *Боринглар сиз душмана дўна-дўна.* «Интизор». *Оч шердайин дўна-дўна От қўйинглар, беклар, ғазога.* «Юсуф ва Аҳмад».

ДЎНГ 1 *от* Ернинг ёки бирор нарсанинг бирмунча баланд кўтарилган жойи; тепалик. *Ўғри – тун ошгунча, Бўри – дўнг ошгунча.*

Мақол. ▬ *У дўнгга, бу дўнгга чиқиб қаради, укасининг қайси тарафга қараб кетганини билмади.* «Қундуз билан Юлдуз».

2 *сфт.* Бўртиб чиққан, кўтарилган, дўмпайган, қаппайган. *Дўнг ер. Дўнг жой. Дўнг пешона. Дўнг қишлоқ. Қўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўнг бўлар.* Мақол. ▬ *Дўнг ерга ўтириб, одатдагидек яна дарёга тикилди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Дўнг пешонасининг пастки қирраси иккита ёввойи бароқ қош билан тамом бўларди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Дўнг олмоқ Энгаштириб, думбасига тизза билан тепмоқ (турли ўйинларда).

ДЎНГАЛАК I *шв.* **1** Ғилдирак (арава, вагон, паровоз ва ш. к. да). *Поез(д)ингни юргизган Ўтхонаси билан дўнгалаги.* "Қўшиқлар". *Юмалоқ олам ҳам сирли бир чўпчак, Дўнгалак айланур наҳот бегупчак.* Миртемир, Асарлар.

2 Юмалоқ ёки доира шаклидаги. *Кўҳна, тутилавериб сири кўчиб кетган дўнгалак хонтахтани келтириб ўртага қўйди.* С. Сиёев, Райҳон. *Кўчада икки отлиқ турарди. Бири тулки тумоқ кийган, бўйдор, иккинчиси дўнгалак телпакда.* С. Сиёев, Аваз.

3 Дўнг ер, тепалик. *..дўнгалакларни бузиб, ерларни текислаш ва чимзорларни ҳайдаб, ишга солиш.. каби ишларга эътибор бериш лозим.* И. Раҳим, Ихлос.

ДЎНГЛИК 1 Дўмпайганлик, қаппайганлик, бўртиқлик.

2 Ернинг қавариқ бўлиб чиққан жойлари, дўнг ер, тепалик. *Мактабимизнинг олдида каттакон дўнглик бор.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Машина терак бўйи дўнгликка кўтарилди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Биз учун кўкарар дўнгликларда чим, Биз учун яшайди кўкда юлдузлар.* «Ёшлик».

ДЎНГПЕШОНА Пешонаси бир оз бўртиб чиққан. *Эшик олдидаги каравотда олтмиш беш ёшлардаги дўнгпешона, жуссаси кичкина, оқ-сариқ қария, кўзлари маъносиз жавдираганча ўтирарди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ДЎНГСА Кичкина дўнг, пастак тепалик.

ДЎНГСАЛИК Дўнгса жой, кичик дўнглик, тепалик.

ДЎНДИРМА *с.т.* Талабга жавоб берадиган қилиб, ўринлатиб, жойига келтириб, кўнгилдагидек қилиб ишланган, тайёрланган. *Дўндирма кабоб. Дўндирма иш.* ▬ *Дўндирма қилиб дамланган чойлар кетма-кет қуйилиб турибди.* К. Яшин, Ҳамза. *-Эҳ, қани энди, дўндирма иш бўлар эди-да! — Ҳакимбойвачча лабини ялаб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЎНДИРМОҚ 1 Дўнмоқ фл. орт. н.

2 *с.т.* Жойига келтириб, кўнгилдагидек қилиб, боплаб бажармоқ, ижросини жойига қўймоқ, ўринлатмоқ. *Гапни дўндирмоқ.* ▬ *Чоршанба — зўр йигит, ишни дўндиради.* М. М. Дўст, Лолазор. *[У] Ўзимизнинг таомларни — кабоб ва паловдан тортиб то ҳалимгача — дўндириб юборади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ДЎНДИҚ Бўйи-басти келишган, дўмбоққина, лўппи; ёқимтой. *Дўндиқ келинчак. Дўндиқ қизча.* ▬ *Анвар келишган, дўндиқ бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бир дўндиқ, дўмбоққа суқланиб боқдим, Орзулар кўкида қанотим қоқдим.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

ДЎНДИҚЧА 1 Дўндиқ с. кичр.-эркл. *Ана, кўрмайсанми, бу қандай оппоқ дўндиқча! Шунақа дўндиқчасига уйлансам.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *шв.* Бир турли ип ёки ипак газлама. *Дўндиқча рўмол.*

ДЎНМОҚ *эск.* **1** Айланмоқ, ўхшамоқ; бир томондан иккинчи томонга ўгирилмоқ. *Ёнмаган қорлар ёнар, Тушларим ўнгга дўнар.* «Шарқ юлдузи». *Тошга дўнди ёстиқлар, ғамғусса бош қўйганда.* «Саодат».

2 Қайтмоқ; тикланмоқ, ўзгармоқ. *Мард ўғлонсан, алвон-алвон дўнмагин. Хасмингнинг сўзига, болам, кўнмагин.* «Хушкелди». *Қиё қайтган давлат қайта дўнмайди, Бахт қуши қўлингга осон қўнмайди.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ДЎНОН [*мўғ.* دونان — тўрт ёшли от] **1** Уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган от ёки туя. *Кунлар ўтиб, қулун — той, той — қунон, қунон эса дўнон бўлиб етишади.* Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

2 Икки ёшга тўлиб, уч ёшга қадам қўйган қўй ёки эчки. *Дўноннинг тойлиги бўлмас, Нокаснинг — бойлиги.* Мақол.

3 *кўчма* Бўйи (вояга) етган. *Қиқирлашиб кулишади, Сатта бирдай дўнон қизлар.* «Гулнорпари».

ДЎНҒ *тақл. с.* Йўғон тор, сим ва ш. к. чертилганда чиқадиган дағал овоз ҳақида. *Дўнғ этган овоз эшитилди.*

ДЎНҒИЛЛАМОҚ 1 "Дўнғ" этган овоз чиқармоқ.

2 Ноаниқ ёки қўпол гап қилмоқ; тўнғилламоқ. *Дераза тагида қовоқ-тумшуғини осилтириб ўтирган Муса кўса дўнғиллади.* С. Аҳмад. Ҳукм. *Кампир яна дўнғиллади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ДЎП *тақл. с.* Жарангсиз нарсаларнинг қаттиқ нарсага урилишидан ҳосил бўладиган товуш. *Дўп этмоқ. Тўп ерга дўп этиб тушди.*

ДЎП-ДЎП **Дўп** с. такр.

ДЎПИЛЛАМОҚ "Дўп-дўп" этган овоз бермоқ. *Уни ҳали кўрмасдан, бутун гавдам ўт бўлиб, юрагим чопқир отлар изидек дўпиллайди.* Ҳамза, Асарлар.

ДЎПИЛЛАТМОҚ **1** **Дўпилламоқ** фл. орт.н. *Тўпни дўпиллатиб ўйнамоқ. Оёқни дўпиллатмоқ.*

2 *кўчма* Аёвсиз танқид қилмоқ, хато ва камчиликларини, салбий хислатларини айтиб коймоқ. *Сабохон минбарга чиқди. Собирвой биров чимдиб олгандай чўчиб тушди: "Мени дўпиллатиб қолса-я..", деб кўнглидан ўтказди.* А. Муҳиддин, Кўнгиллар.

ДЎПИР *тақл. с.* Дўпиллаган овоз ҳақида.

ДЎПИР-ДЎПИР **Дўпир** с. такр. *[Шербек] Бир вақт дўпир-дўпирдан уйғониб кетди. Қараса, ҳамма перронга интиляпти.* С. Анорбоев, Оқсой. *Отларнинг оғир дўпир-дўпири эшитиларди.* «Шарқ юлдузи».

ДЎПИРЛАМОҚ *айн.* **дўпилламоқ.**

ДЎППАЙМОҚ Нотекис, ноўхшов бўлиб, бўртиб чиқиб турмоқ; дўмбаймоқ. *Қўлим дўппайиб турган тугунчага тегди.* «Шарқ юлдузи». *Мунгли дўппайган қабрлар устида бағри қон қизғалдоқлар бош эгди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ДЎППИ Авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тепа, кизак ва жиякдан таркиб топадиган гулдор ёки гулсиз, тўгарак ёки тўртбурчак шаклдаги бош кийими. *Бахмал дўппи. Гилам дўппи. Ҳожи дўппи. Чуст дўппи. Зар дўппи. Бош омон бўлса, дўппи топилар.* Мақол. ▬ *[Сидиқжон] Нима дейишини билмай, бошидан дўпписини олиб, у ёқ-бу ёғига чертди, тиззасига қўйиб, жиягини тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Эсиз йигитлик, эсиз бошдаги дўппию белдаги қийиқ.* С. Аҳмад, Уфқ.

Тагдўзи дўппи *қ.* **тагдўзи**. *Йўлчи учун ўзи тайёрлаган яхши тагдўзи дўппини кийдирди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тус (***ёки* **чуст) дўппи** *қ.* **тус** II. *Мансур жилмаяр, чуст дўппи кийиб олган, ўжар сочлари дўппини кўтариб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *..айниқса янги тус дўппи билан қийиқчасига осилган пичоқ уни бениҳоя хурсанд қилиб юборди.* Ў. Усмонов, Сайланма.

Бировнинг дўпписини бировга кийгизмоқ Ўзининг фойдасини кўзлаган ҳолда бошқаларни алдаб, лақиллатиб юрмоқ. *Буни бировнинг дўпписини бировга кийгизиш дейди.* Шукрулло, Сайланма. **Дўппини алмаштиргандек** Жуда осон, қийинчилик туғдирмайдиган. *Бош омон бўлса, иш топиш дўппини алмаштиришга ўхшаш бир нарса.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. **Дўппини ерга қўйиб** Хотиржамлик билан, бамайлихотир, диққатни бир жойга тўплаб. *Кетидан пачаваси чиқмаслиги учун, дўппини ерга қўйиб.. ўйлаб кўринг олдин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дўппининг тагида одам бор** «Эҳтиёт бўл», «сирингни сақла, лақиллаб гапиравермa» маъноларидаги ибора. **Дўппини осмонга отмоқ (***ёки* **ирғитмоқ, ташламоқ)** Ортиқ даражада қувонмоқ, ниҳоятда хурсанд бўлмоқ. *Бу ерда икки-уч овора бўлиб, иш битирган одам дўпписини осмонга отиб хурсанд бўлади.* «Муштум». **Дўпписини ол деса, калласини (***ёки* **бошини) олмоқ** Бирор ишни лозим бўлганидан ҳам ўтказиб, ортиқ даражада ва қўпол қилиб бажармоқ. *Тасаддуғингиз кетай, дўпписини олиб кел десангиз, ахир биз жаллод.. бошини кесиб келтирамиз-да.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Дўпписи яримта** Иши жойида, ғам-ташвиши йўқ, парвойи фалак, беғам. *Бизнинг "сартия" жуда беғам.. ҳеч нима бўлмагандай, дўпписи яримта! Халқумигача қарзга ботганини ўзи сезмай қолади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дўппи тор келганда** 1) иш қисталанг бўлган ёки ноилож қолган вақтда. *Дўппи тор келиб қоладиган вақтларда кабоб қилиб юборамиз.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан; 2) камчилик, етишмовчилик юз берганда. *Ўйлаб қарасам, дўппи тор экан. Каттароқ иш қилишга қўлимиз калта экан.* И. Раҳим, Ихлос.

ДЎППИДЎЗ [дўппи + *ф.* دوز – тикувчи] Дўппи тикувчи уста, чевар.

ДЎППИДЎЗЛИК **1** Дўппи тикувчи касби; дўппи тикиш билан шуғулланиш. *Дўппидўзлик – нозик ҳунар. Ҳунаргина эмас, уни санъат деса ҳам бўлади.* «Гулистон».

2 Дўппидўзлар жойлашган ер, маҳалла (бозорда, шаҳарда). *Биз дўппидўзликда турамиз. Қайтишда дўппидўзлик билан келдик.*

ДЎППИЛИК Дўппи бўладиган, дўппига етарли, дўппибоп. *Дўппилик сатин. Бир дўппилик духоба.* ▬ *Вой, мана бу парча сатин меники, дўппилигим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ДЎППИФУРУШ [дўппи + *ф.* فروش – сотувчи] Дўппи сотувчи, дўппи билан савдо қилувчи. *Аммамнинг қизи Абдураззоқ дўппифурушга тушган эди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Бозори шабда дўппифурушдан олган дўппиларни кўтариб, одамларга кўрсатиб ёлборар эди Усмонжон.* С. Зуннунова, Гулхан.

ДЎППИЧИ *с.т.* **1** Дўппи тикувчи, дўппидўз.

2 Дўппи сотувчи, дўппифуруш.

ДЎППИҚАЙТАҚИ *с.т.* Парвойи фалак, ҳеч нарсадан ғами йўқ; дўпписи яримта. *Соясалқин ерларда шўрва шопириб, дўппиқайтақи, истироҳатда бўлган орсиз кишилар ҳам буни ўқийдилар, эшитадилар.* Ғ. Ғулом, Мард майдонга чиқсин.

ДЎППОСДАЙ Дўппайиб кўтарилиб чиққан; семиз, дўмбоқ. *Кун терак бўйи бўлганда, аскарнинг ён қишлоқдаги холаси дўппосдай ўғлини эргаштириб келди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

ДЎППОСЛАМОҚ 1 Қўл, калтак ва ш. к. билан урмоқ, хумордан чиққунча, роса муштламоқ. *Кеча биров дўппослаб ташлаган кишидек бутун бадани шол-шол.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Баззоз ўғлининг кучук боласидек дўппосланаётганига чидаб туролмади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 *кўчма* Аёвсиз танқид қилмоқ, бутун кирдикорларини очиб ташламоқ (оғзаки ёки ёзма равишда). *Хўп дўппослаб, танқидчи сўнгра Ижодимга тилайди камол.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Мақолада Шерзоднинг янги китоби роса дўппосланган эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ДЎРДАЙМОҚ 1 Шишиб, кўтарилиб чиқмоқ. *Ари чаққан лаблари дўрдайган эди.* ▬ *Матпанонинг юз-кўзи моматалоқ эди: ўнг кўзи чала юмуқ, устки лаби дўрдайиб турибди.* С. Сиёев, Аваз.

Дўрдайган лаб Чўччайган қалин лаб. *Болалигидаги дўрдайган лаблари энди қуёш тафтида, дашту далада, тоғу тош шамолида пишибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Кимсага лабини буриб ёки лабини чўччайтириб, қовоқ солиб қарамоқ. *Мунча дўрдаясан?!*

ДЎРДОҚ Қалин, кўтарилиб чиққан, дўрдайган. *Дўрдоқ лаб.* ▬ [*Хонзода Гулбаҳорга*:] *Сен нимангга бино қўясан? Ҳуснинггами? Ойнакка қара! Лабинг дўрдоқ, кўзларинг ғилай, ажина қошиқдек юзларинг бор!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Яхшибой ака дўрдоқ лабларида ҳуштак чалганча, идорасига кириб кетди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДЎРИЛДОҚ Дўриллаган, бир оз бўғиқ, йўғон. *Назар ширасиз, дўрилдоқ овозда шеър ўқий бошлади.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Софиянинг қулоқлари остида отасининг дўрилдоқ, аммо эркаловчи овози янграгандек бўлди.* Ў. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.

ДЎРИЛЛАМОҚ Йўғон, титроқ, бир оз бўғиқ овоз чиқармоқ, дўрилдоқ овоз билан гапирмоқ. *Қодиржоннинг овози дўриллаб қолди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Овозинг дўриллар, демак, бу уйда Иккита эркакнинг шарпаси ҳоким.* Ғ. Ғулом, Шеърлар.

ДЎРИЛЛОҚ *айн.* **дўрилдоқ.** *Мутал унинг овози азалдан бўғиқ, дўриллоқ эканини биларди.* О. Ёқубов, Ларза. *Йиллар ўтди бирбирин қувиб, Овозимиз бўлди дўриллоқ.* Н. Нарзуллаев, Сайланма.

ДЎРМОН *этн.* Ўзбекистон ва Тожикистонда, шунингдек, Афғонистон шимолида истиқомат қилувчи ўзбек қабилаларидан бири.

ДЎРСИЛЛАМОҚ *айн.* **дўмбилламоқ.** *Ашур ер остидан бирпас сузилиб қараб олди-ю, дўрсиллаб чопганча, отасига ташланди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ДЎСАРА Содда, дилкаш, меҳрибон. *..мен дўсара, қувноқ одамларни яхши кўраман.* Мирмуҳсин, Умид. *Дўсарагина, лўппи юз, қувноқ, жозибаси гўёки ғунча.* М. Икром, Кўнгил гули.

ДЎСТ [*ф.* دوست – шафқатли ўртоқ, ёр, ошно, маҳбуб(а)] **1** Қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган, иноқлик, аҳиллик билан боғланган икки ёки ундан ортиқ кишининг ҳар бири; ўртоқ. *зид.* **душман.** *Қадрдон дўст. Чин дўст. Қиёматли дўст. Вафодор дўст. Ўз дўстим деб сир айтма, дўстингнинг ҳам дўсти бор.* Мақол. *Дўст сафарда билинади, Оға-ини – кулфатда.* Мақол. ▬ *Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, Дўст юз минг бўлса, оз.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Яқин, таниш, ошно. *Мана бу дўстим билан мен дарёдан ўтолмай қолдик. Шу*

яқиндаги қишлоққа нон сўраб бордик. И. Рахим, Чин муҳаббат. *Ўрта Осиё халқлари: ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва қозоқлар.. бир-бири билан иноқ ва дўст бўлиб яшаганлар.* Газетадан.

Дўстингдан топ Дўсти, яқин кишиси бирор ёмонлик қилганда айтиладиган ибора. **Дўсти содиқ** Вафодор, садоқатли дўст. *Дунёда дўсти содиқни топиш қийин экан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Жон (***ёки* **жонажон) дўст** Жонини ҳам аямайдиган, самимий, беғараз дўст. *Пойлаб-пойлаб, хўб томоша қилсанг-чи, Тўй-томоша қуллуқ бўлсин, жон дўстим.* «Юсуф ва Аҳмад». *Аввал айтганимдек, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев билан [Абдулла Қаҳҳор] жон дўст эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. **Иш (***ёки* **меҳнат) дўсти** Бирга ишлаб, меҳнат жараёнида орттирилган дўст. *Иш дўстинг – жон дўстинг.* Мақол. ▬ *Кўриб қўй, деб сўзни бошлайман, меҳнат дўстим – асал ёримга.* Ғайратий. **Мол дўсти** Олди-берди муносабатларида орттирилган дўст, бирор нарсадан илинжи бўлгани учунгина ошно бўлган, юзаки дўст. *Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молидан кечмайди.* Мақол. **Пирига ҳам дўст бўлмайди** Ҳеч кимсага дўст бўлмайдиган ёмон одам ҳақида. *Эрининг юзхотирини қилмайдиган хотин пирига ҳам дўст бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Мурожаат қилиш шакли. *Хўш, тақсир, нега хомушсиз? -Э, азиз дўстим, сал қийналиброқ қолдим.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

4 Диний тасаввуфда: Аллоҳо, эй худо. *Ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади: "Ҳей дўст, шайдулло, баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо".* А. Қаҳҳор, Бемор.

Дўст тортмоқ 1) "дўст!" деб худога ёлвормоқ. *У ўз одатининг аксича дўст тортди-да, юқорига қаради.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) *кўчма* қичқирмоқ, сайрамоқ. *"Роҳат"ни эшитиб, Тантибойвачча "эзиб юбордингиз, жонидан!" деб қичқирди ва бангилар каби бир "дўст!" тортди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЎСТ (ў - *чўзиқ) унд. с.* Тасанно, офарин маъноларини билдиради. *Дўст, кам бўлманг! Боғларни қоплайди завқу шавқ, қарсак, Кексалар оғзида: "Дўст!", "Баракалло!".* Уйғун, Тонг қўшиғи.

ДЎСТ-ДУШМАН Дўст(лар) ва душман(лар). *Ҳунарли эр хор бўлмас, Дўст-душманга зор бўлмас.* Мақол. ▬ *Сен дўст-душманни ажратиб муомала қилгин.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дўст-душманнинг гапига кириб, ҳамманг ҳам шунга ёпишаверма.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ДЎСТ-ЁР Дўст(лар) ва ёр(лар), ҳамдам(лар). *Дўст-ёрлар аҳил бўлса, чўлда олтин ундирар.* «Муштум». *Дўст-ёрлар йиғилиб, чағир ичиб, мусиқа ва рақслар билан тонг оттирадилар.* Ойбек, Навоий.

ДЎСТЛАРЧА *рвш.* Дўстларга хос равишда; дўстона, дўстлар каби. *Дўстларча муомала. Дўстларча кўришиш.* ▬ *Жўра дўстларча койиб-койиб, ҳужранинг беш тийинлик чақадай қулфини кўрсатди-да, йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЎСТЛАШМОҚ Дўстона муносабатлар боғлаб, ўзаро яқинлашмоқ, аҳиллашмоқ, иноқлашмоқ. *Яхши билан дўстлашсанг, Ўлгунингча хушлашар.* Мақол. ▬ *У билан дўстлашишни кўнглимга тугиб қўйдим.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ботирали у билан жуда дўстлашиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ДЎСТЛИК Дўст мақомида бўлишлик; яқинлик, ошнолик; аҳиллик; меҳрибонлик. *Дўстлик синовда чиниқар.* Мақол. *Халқ дўстлиги – юрт бойлиги.* Мақол. ▬ *Нафс, шахсиятпарастлик ғолиб келган жойда виждон ҳам, дўстлик ҳам тамом.* Шукрулло, Сайланма. *Халқимизнинг куч-қудрати чин дўстликни қадрлаш билан белгиланади.* Газетадан.

ДЎСТОНА [*ф.* دوستانه – дўстларча] *рвш.* Дўст каби, дўстларча, дўстлардек, дўстлик билан. *Дўстона муомала. Дўстона салом. Дўстона суҳбат.* ▬ *Шербекнинг елкасига қўлини дўстона ташлади-да, ўтир, дегандек ишора қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ДЎСТПАРВАР [*ф.* دوستپرور – дўстни қадрловчи, севувчи] Дўстларини ва дўстликни севувчи, қадрловчи, дўстларига меҳрибон, ғамхўр. *Ваъдага вафоли, ахлоқда мумтоз, Дўстпарвар, ўз сўзли, ёрига содиқ.* Ғ. Ғулом.

ДЎХТ [*ф.* دوخت – бичим, бичиқ; тикиш, чок] **1** *шв.* Тана тузилиши, бичими; қомат. *Дўхти келишган йигит.*

2 Юз тузилиши, бичими; афт-ангор. *Дўхти совуқ.*

3 Кийимнинг бичими. *Дўхти келишган костюм.* ▬ *Шу бракларнинг ичида бир тарз*

дўхти келишганроқлари бизлар эканмиз. «Муштум».

ДЎХТА [*ф.* دوخته — тикилган, тайёр] *шв.* Пана бўлсин учун айвон олдига тутиб қўйиладиган парда.

ДЎХТИР *с.т.* Доктор. *Агар у йигитни дўхтир кўрса, касалини аниқлайди, дори беради, тузатади.* Ҳ. Ғулом, Мангулик. *Аввало Худо, қолаверса, дўхтир сақлаб қолдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

ДЎҚ I Қўрқитиш, чўчитиш, тартибга чақириш учун айтилган гап, қилинган ҳаракат; пўписа, сиёсат. *Дўқ урмоқ (қилмоқ). Ўғри дўқи билан қўрқитар, Ёмон аёл — йиғиси билан.* Мақол.

Дўқ урмоқ (*ёки* **қилмоқ**) Кўрқитмоқ, дўқ-пўписа қилмоқ, дўқламоқ. *Кейин овозини пардама-парда кўтариб, дўқ ура кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. -*Қочишнинг йўлини мўлжаллаб қўйдингми, ростингни айт! — деди Жуман дўқ қилиб.* А. Мухтор, Туғилиш. -*Ҳаддингиздан ошманг, — деб дўқ урди Яхшибоев.* М.М.Дўст, Лолазор.

ДЎҚ II *тақл. с.* Жарангсиз нарсаларнинг урилишидан ҳосил бўлган овоз. *Дўқ этган овоз эшитилди. Чойнакни дўқ этиб ерга қўйди.* ▬ *Шокир ота ўтирган жойида ҳассасини ерга дўқ этиб урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЎҚ-ДАВАРА *айн.* **дўқ-пўписа.** *Тўрабек.. баъзан қўлига хипчин олиб, болаларга дўқ-давара қилар, шу билан ҳоврини босар эди.* Ҳ. Нуъмон ва А.Шораҳмедов, Ота.

ДЎҚ-ДЎҚ, **дўқ-дук 1 Дўқ** II с. такр. *Бехос ўрнидан туриб, этиги билан дўқ-дўқ юра бошлади.* А. Мухтор, Асарлар. *..қўлтиқтаёқларини дўқ-дук ташлаб, протез оёқларини ғичиллатиб, нари кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Дўқиллаган овоз бериб юрадиган, шалоқ. *Ғилдираб ҳар қадамда минг дўқ-дўқ, Мунча нотинч онағар араванг.* Муқимий.

ДЎҚИЛЛАМОҚ "Дўқ" этган овоз бермоқ. *Кўп ўтмай кўчадаги йўлакда ҳассанинг дўқиллагани, бировнинг йўталгани эшитилди.* «Ёшлик».

ДЎҚИР *тақл. с.* "Дўқ" тарзидаги давомли овоз. *Дўқир этмоқ. Дўқир арава.* ▬ *Қўқон араванинг дўқири қурсин, — вайсади Лутфинисо.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЎҚИР-ДЎҚИР Дўқир с. такр. *Дўқир-дўқир этмоқ. Араваларнинг дўқир-дўқири.* ▬ *Олой йўли ўнқир-чўнқир, машиналар дўқир-дўқир, Куйдик бу йўлнинг дастидан.* «Муштум».

ДЎҚЛАМОҚ Қўрқитиш, чўчитишга ҳаракат қилмоқ; дўқ урмоқ**,** пўписа қилмоқ. *Менга буйтиб дўқламанг, каттака! Мен бўлган гапни айтяпман.* «Ёшлик».

ДЎҚОЛ *шв.* Зиқна, феъли тор.

ДЎҚ-ПЎПИСА *жуфт с.* Ҳам гап, ҳам ҳаракат билан қўрқитиш хатти-ҳаракати, дўқ ва пўписа(лар). *Терговчининг дўқ-пўписа билан гап бошлашини кўрган бойвачча хиёл бўшашди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ДЎҚ-СИЁСАТ *жуфт с. айн.* **дўқ-пўписа.** *Аваз ғазаб билан дўқ-сиёсат қила берди.* «Нурали».

ДЎҚ-ТАҲДИД *жуфт с.* Дўқ ва таҳдид(лар). *Гулнорнинг заҳарланганини Мирзакаримбой ва ўғиллари қатъиян рад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналарининг тилларини дўқ-таҳдид билан муҳрлашга тиришдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ДЎҚҚИ *шв.* Қўпол, бесўнақай, беўхшов.

ДЎҒАЙМОҚ *шв. айн.* **ўдағайламоқ.** *Бир неча киши дадамни ургани дўғайиб келди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар. -*Ким ёт унсур? — деди Тўлаган яна дўғайиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ДЎҒЛАТ *этн.* Ўзбек халқи таркибига кирган қадимий туркий қабилалардан бири.

ДЎҒОБ [*ф.* دوغاب — оҳакли қоришма] Ганч ясаш учун тайёрланган қоришма. -*Дўғоб қорингиз! — деганда, шогирдларининг юзи ёришди.* «Ёшлик».

ДЎҒОВ [*ф.* دوغاب — қатиқли, чалопли ёвғон шўрва] *шв.* Сут-қатиқ зардоби.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

I жилд

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

2010.04.10 да босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70 × 100 1/16. Офсет қоғозда босилди.
73,25 нашриёт-ҳисоб табоғи. 55,25 босма табоқ.
Адади 5000 (2-гал босилиши 3001—5000). Баҳоси шартнома асосида. 10-835-буюртма.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриётининг дизайн ва компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй).

Ўз
М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

5 ЖИЛДЛИ

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ*:**

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар),
Н. ТЎХЛИЕВ, Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, А. ҲОЖИЕВ

А. Мадвалиев таҳрири остида

**“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти
Тошкент**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ИККИНЧИ ЖИЛД

Е – М

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти
Тошкент

81.2Ўзб-4

“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор – Н.Тўхлиев.
Директорнинг биринчи ўринбосари – Д.А.Шораҳмедов.
Директор ўринбосарлари – М.Н.Аминов, А. Ниёзов.
Тил ва адабиёт илмий таҳририяти – А. Мадвалиев (мудир), Ҳ. Абдиев (етакчи илмий муҳаррир).
Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими – И.Р.Ҳодиев (бошлиқ), А. Бурҳонов (бош рассом), М. Олимов (етакчи техник муҳаррир), А. Ёқубжонов (етакчи илмий программист), Д. Ҳасанова (саҳифаловчи-оператор).

Ў 16 **Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е–М / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.-672 б.

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

ББК 81.2Ўзб-4

Ў $\frac{70105-071}{358-2006}$

ISBN 978-9943-07-051-6

© “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.



ЕБИР-ЕСИР: ебир-есир қилмоқ *шв.* Хонавайрон қилмоқ, ҳар нарсадан маҳрум қилмоқ. *Чамбил юртин ебир-есир қиламан, Қайтиб келиб, шоҳ қизини оламан.* «Маликаи айёр». *Лашкар олиб, бундан турмай борарман, Элатини ебир-есир қиларман.* «Баҳром ва Гуландом».

ЕБ-ИЧМОҚ 1 Ейиладиган, ичиладиган нарсалардан истеъмол қилмоқ. *Ҳамма еб-ичиш билан овора бўлиб, ҳеч кимдан овоз чиқмай қолган пайтда..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қани, тақсир, дастурхонга марҳамат қилиб, еб-ичиб, гаплашиб ўтиринглар..* К. Яшин, Ҳамза. *Бир одамга ҳам рўзғор, қозон-товоқ керак, бутлаб олсанг бўлар экан. Ҳозир еб-ичадиган пайтинг.* С. Нуров, Нарвон.

2 *кўчма* Қаттиқ дакки (жазо) бермоқ, юлиб-таламоқ. *Биз икков, агар қўйиб берсанглар, гўё бир-биримизни еб-ичмакчи эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўқишга берилиб кетиб, вақтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолибман. Уйдагилар ҳали мени еб-ичишади.* Ф. Насриддинов, Кўнгил.

ЕБТЎЙМАС Овқатни кўп ейдиган, егани билан тўймайдиган; очофат, мечкай. *Ебтўймас бола.*

ЕВРЕЙ *айн.* **яҳудий**.

ЕВРО [< Европа қитъаси номидан] Европа Иттифоқи таркибидаги Европа иқтисодий ва пул ҳамжамияти аъзоларининг 1999 йил 1 январдан муомалага чиқарилган пул бирлиги. *Сўмнинг еврога нисбатан курси.*

ЕГИЛИК *с. т.* Егулик.

ЕГУЛИК 1 Ейиладиган, овқат учун истеъмол қилинадиган нарса; озиқ-овқат. *Зиёфатларга борганда-ку, ёнига ўтириб олиб, тарелкасига егулик тўлдириш билан банд бўлардингиз.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Дастурхонни ёз! Егулик нарсанг борми?* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Ўз эҳтиёжи учун экилган ёки ажратилган нарса, озиқ-овқат ҳақида. *Егулик қовун. Егулик ун.* ▬ *Қолгани — бола-чақамга егулик. Жамоа текшириб кўрган. Ботиралидан сўранг!* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шунда Биноий ёдаки бир рубоий айтиб, егулик ғалласи йўқлигини, кияй деса, ғалланинг қопи ҳам топилмаслигини айтди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ейиш учун кеpакли, ейишга етарли. *Бу йил яхши мева қилмади-ю, ҳар қалай егулик топилади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЕГУЛИК-ИЧГУЛИК Ейиладиган-ичиладиган нарса; озиқ-овқат. *-Бу касб* [*қаландарбаччалик*] *менга кўп маъқул тушди. Егулик-ичгулик истагандан мўл, ёмғирдек ёғилиб келиб туради, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЕДИРМОҚ 1 Емоқ фл. орт. н. *Овқат едирмоқ. Яхши — қанд едирар, ёмон — панд едирар.* Мақол. ▬ *Нигор ойим Мансурга қолган ошни едириб қўйиш билан, ора-чора гапга ҳам қулоқ солгандай бўлар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бирор нарсани бошқа қаттиқроқ нарсага ишқаб текисламоқ, ишқалаб сийқаламоқ. *Ошиқни ғиштга едирмоқ.*

3 Суюқликни (мой, дори ва ш. к.ни) бирор нарсага ишқалаб сингдирмоқ.

4 *кўчма* Сингитиб йўқотиб юбормоқ. *Султонмурод.. дўстининг шеърларида унга аввалдан белгили бўлган баъзи умумий нуқ-*

сонларни едириб кетиш учун кўпроқ завқ ва руҳ билан ўқишга тиришди. Ойбек, Навоий.

5 *тех.* Бир-бирига ишқалаб мосламоқ.

ЕЗНА *шв.* Почча. *-Ўҳ ноинсоф! Пирнафас езнанг, опанг, жиянинг аҳволи не кечар экан, — деди маъюс оҳангда Ўтар бува.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЕЙИЛИШ *махс.* Буюмлар сиртининг ўзаро ишқаланиш, ташқи муҳитнинг бевосита таъсири натижасида уларнинг ўлчам, шакл, вазн ва б. жиҳатлардан аста-секин ўзгариши. *Механик ейилиш.* ▬ *Абразив ейилишга асосан ишқаланиш сабаб бўлади.* «ЎзМЭ».

ЕЙИЛМОҚ 1 Емоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Ош ейилди.* ▬ *Таом иштаҳа билан ейилгандан сўнг..* [*Ҳакимбойвачча*] *аччиқ чойни қуя бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ишқаланавериб едирилмоқ, сийқаланмоқ. *Этикнинг пошнаси ейилиб кетибди.* ▬ *Уйда битта ёғоч чўмич бор-у, битта учи ейилиб кетган қора ёғоч қошиқ.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳаммасидан ҳам парманинг тиши ейилиб кетавериши ёмон экан.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

Ейилиб қолмайди (ейилиб қолмас) Ҳеч нарса бўлмайди, зарар-зиён қилмайди. *Худога шукур, уйларинг кўп экан. Озгина вақт турсак, ейилиб қолмас..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ЕЙИМЛИ Иштаҳа билан ейиладиган, хушхўр (мол овқати хақида). *Кимёвий усулда ишланган озуқанинг таъмини ва ейимли бўлишини ошириш мақсадида озуқалар концентратлар билан кўпчитилади.* Газетадан.

ЕЙИМЛИК *кам қўлл. қ.* **егулик**. *Менгбой икки кишига ғоят ортиқчалик қиладиган ейимлик ва ичимликлар буюрди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Ейимлигу ичимлик тўла Нозу неъмат дастурхонида.* Э. Раҳим.

ЕЙИШЛИ 1 Иштаҳа билан, севиб ейиладиган, хушхўр. *Ейишли нон.*

2 Еса бўладиган, еб бўладиган. *Ейишли мева.*

ЕЛ I **1** *айн.* **шамол**. *Тоғдан совуққина ел эсарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тун аёз, изғириқ ел тўрт тарафга югуриб, жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Алижон Тошкентга елдек етиб келди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Бўтабой эпчиллик билан эгарсиз отга минди-да, бир-икки аччиқ қамчи босди: от жон-жаҳди билан пастга қараб елдек учиб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Бирор нарса ичига дамланган ҳаво; дам. *Баллоннинг ели чиқиб кетибди.* ▬ [*Отабек*] *Ўн беш дақиқалардан сўнг, ичига ел қамалган пуфакдек, «уфф» этиб юборгач, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ичакда ҳосил бўладиган ҳаво, газ. *Қабзият ортди-да, қабзият.. Шу вақт бир ел юришса, кўзим очилармиди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Елга учмоқ Бекор кетмоқ, фойдасиз бўлмоқ. *Ниҳоят, кутилган кун келди. Бутун вужуди билан қилинган ғайрат, ҳаракат елга учмади.* Н. Орифжонов, Ҳаловат. **Елга учирмоқ** (*ёки* **совурмоқ**) Бекор кетказмоқ, йўқ қилмоқ. *Гапларимни елга учириб нима қиламан, дердим.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Ишни барбод қилган, давлатнинг минглаб сўмларини елга совурган..* С. Кароматов, Эътиқод. **Оғзининг ели** «Бир оғиз сўзи, гапи билан бўлади, битади» маъносини билдиради. *Битта аэроплан нима деган гап? Охунбобоевдай одам учун оғзининг ели.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Валихонларга никоҳ чўтми.. оғзининг елига тўй, оғзининг елига мотам.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЕЛ II Киши организмидан бирор қисмининг чириши, бузилишидан иборат оғир касаллик. *Унинг бурнини ел еди.*

Ел есин (*ёки* **егур**). Ел касаллигига нисбатли қарғишни бидиради. *Туришини қара.. турқингни ел есин!* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳозир бориб, у бебурднинг додини бериб қўяй. Вой тусингни ел егур.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЕЛВАГАЙ Енгли кийимларни ростмана киймай, ўрамай, елкага ёки бошга ташлаган ҳолда. *Чопонини елкасига елвагай ташлаб, токчада тикка турган кўзгуга биринчи марта қаради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Рўмолини бошига елвагай қилиб ўраб, бир учини қайириб, оғзига тишлаб, чўп билан ер чизади.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ЕЛВИЗАК Қарама-қарши эшик-деразалар очиқ бўлган вақтда ёки тор оралиқдан ўтиб турадиган ҳаво оқими, ўткинчи шамол; шундай шамолли ҳолат. *Ниҳоят, деразa тепасидаги дарчада елвизак эса бошлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Елвизак шамолнинг йўқлиги айвоннинг яна бир асосий қусуридир.* «Фан ва турмуш». *-Вой, елвизак қилиб қўйибмиз-у, — деб эшикни икки қўллаб итариб ёпди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЕЛДИРИМ *кт.* Яшин, чақмоқ. *Зиёдилла ўрин-кўрпасини шошиб йиғиштираркан, мияси елдирим тезлигида ишлаб, ҳар хил мулоҳазаларга борди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЕЛИБ-ЮГУРМОҚ Бирор иш ташвишида тез ҳаракат қилмоқ, у ёқ-бу ёққа югурмоқ. *Дўстининг дом-дарагини суриштириш учун Қоратой темирчи елиб-югурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қурбон ота елиб-югуриб, сал кунда қишки ва ёзги чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Синглисининг тўйида елиб-югуриб хизмат қилди.* «Ёшлик».

ЕЛИК *шв. айн.* **енглик 1**.

ЕЛИКИШ 1 Еликмоқ фл. ҳар. н.

2 *тиб.* Оғиз шиллиқ пардаларининг яллиғланиши.

ЕЛИКМОҚ 1 Еликиш касали билан оғримоқ. *Боланинг милки еликибди.*

2 Пуфакка ўхшаб шишмоқ. *Унинг кўз томирларига қон югурган, юзи сўлғин, ранги заҳил, қовоқлари еликкан эди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ЕЛИМ [*ф.* يلم – елим, клей] **1** Дарахт танасидан силқиб чиқиб, қотиб қолган ёпишқоқ шира. *Мастонбиби конвертни ўрик елими билан ёпиштириб, боягидек қилиб қўйди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Улаш, бириктириш учун ишлатиладиган ёпишқоқ модда; клей. *Дурадгорлик елими. Елим пиширмоқ.* ▬ *Парча-парча хариталарни елим билан ямаб, кўк, қизил чизиқлар чизиб қўйилган жойларини кўрсатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *кўчма* Хиралик қилиб ёпишаверадиган; шилқим. *Бу тоифа одамлардан қочиб қутулмасанг, бошқа йўл билан қутулиб бўлармиди. Елим-ку, елим улар.* С. Аҳмад, Ҳикоялар. *Нодирбек ўлгудек шилқим, елим, ёпишқоқ йигит экан.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

4 *с.т.* Баъзи буюмларни ишлаш, ясаш учун қўлланадиган сунъий модда; целлюлоза. *Елим пақир.* ▬ *Лекин Ўлжаев ёпишган еридан узиб ўрганган, елим қошиқ одам экан..* «Муштум». *Мулозим йигитнинг елим патнисда иссиқ кофе келтирганини ҳам сезмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЕЛИМБАЛИҚ Чучук сувда яшайдиган, карплар оиласига мансуб бир турли балиқ.

ЕЛИМЛАМОҚ Елим суртмоқ, елим бермоқ. *Биров йўлда очиб ўқийдигандек, яхшилаб елимлади.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Тайёрми ҳали китоб, Елимлаб, қирқиши бор.* Қ. Муҳаммадий.

ЕЛИН Урғочи сутэмизувчи ҳайвонларнинг сут ажратиш аъзоси, сут бези; эмчак. *Оғизгинангда ўтинг бор, Елингинангда сутинг бор.* «Бойчечак». *Подадан қайтаётган она қўйларнинг маърашлари, елини чатнаб турган говмиш сигирларнинг лапанглаб юришлари..* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ЕЛКА 1 Қўлнинг танага яқин қисми. *Аҳмаджон уни дарҳол тортиб олиб қараса, ўнг қўли елкасидан узилган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Аравакаш елкасини гупчакка тираб итарса ҳам, от тўрт оёғи ерга михлангандай, қимир этмасди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳар елкасида мендай болалардан иккитаси ўтирса бўлар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Тананинг икки елка, курак қисми, кифт. *Салимбойвачча ўз ёнига бир хотинни ўтқазди.. У елкаси кенг, кўкракдор, лўппи юзли эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Кийимнинг елка устида турадиган қисми. *Кўйлакнинг елкаси тўғри келмади.*

4 *кўчма* Зимма, гардан. *Теримни машиналар елкасига юклаганмиз.* А. Аҳмаджонов, Иш боши.

5 *тех.* Ричагнинг таянч нуқтасидан куч қўйилган нуқтасигача бўлган қисми. *Елкасини тўғрилаб олмоқ.*

Елкаси ерга тегмаган *қ.* **тегмоқ 1**. **Елкага миниб олмоқ** *айн.* **бўйнига миниб олмоқ. бўйин** I **1**. *Елкамга* [*хўжайинлар*] *хўп минишди. Энди бас!* Ойбек, Танланган асарлар. *Мусулмонқул эл елкасига минди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Елка(си)га ортмоқ (***ёки* **юкламоқ)** Иш ёки вазифани бирор кимса ёки нарса зиммасига ўтказмоқ. *Ҳамма ишни ўринбосари елкасига юклабди.* **Елкамнинг чуқури кўрсин** Бундан кейин умрбод кўрмай. *Зуннунхўжанинг уйини елкамнинг чуқури кўрсин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Елкасини қисмоқ** 1) совуқдан ёки руҳий азобдан бошини елкалари орасига олмоқ. *Ёрмат кўчадан келди, елкасини қисиб, танчага ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) инкор ёки таажжуб аломати; «йўқ», «билмайман» каби маъноларни ифодаловчи ҳаракат. *-Аканг уйга кетдимикин? – деб сўрашди Давлатёрдан. У елкасини қисди, чунки билмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Елкасидан сафар ойи кўринмоқ** Жуда ночор аҳволга тушмоқ, путурдан кетмоқ, хароб бўлмоқ. *Э, сен, елкангдан са-*

фар ойи кўриниб қопти-ю, яна менга тик гапирасан-а, гадойвачча! К. Яшин, Ҳамза.

ЕЛКАДОР Елкаси одатдагидан кенг; кенг елкали. *Ойниса эшикка яқинлашганда, кўча қоронғисида турган елкадор эркакнинг дуркун қоматини кўрди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЕЛКАДОШ Ишда, меҳнатда ёнма-ён турувчи, бир ғоя-мақсад учун биргалашиб курашувчи. *..жуда қийналаман деб ўйлаган эдим. Йўқ, одамларимиз бир-бирига ёрдамчи, елкадош бўлиб ишлади.* С. Абдуқаҳҳор, Қувондиқ. *Башоратнинг назарида, бу одамларнинг кўз қарашларидаги ишонч ҳам ўзларини бутун шаҳарлардаги жуда кўп шундай кишилар билан елкадош деб билганликларидан эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЕЛКАЛАМОҚ Елкага олмоқ, елкада кўтармоқ. *Ўқ-дориларни отларга ортиб, қолганларини ўзимиз елкалаб олдик.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кийимлари солинган тўрвани елкалаб, чумчуқ чирқилламай келувди мактабга.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЕЛКАЛИ *айн.* **елкадор.** *Рустам баланд бўйли, кенг елкали, баҳодир йигит бўлиб етишди.* «Олтин бешик».

ЕЛКАМА-ЕЛКА 1 Елкадан елкага ўтказиб, навбатма-навбат елкалашиб. *Одамларнинг табиати қизиқ: бугун бири иккинчиси билан ёқалашса, эртанги куни азада елкама-елка туриб, тобут кўтаради..* «Ёшлик».

2 Бир сафда, ёнма-ён туриб; тенг. *Мелиқўзи билан елкама-елка бўлиб ишлаётган Жўра Солиев, Мадали ва Раҳимжон Йўлдошевлар озгина тер тўкмадилар.* Н. Сафаров, Карвонбоши Мелиқўзи.

ЕЛКАН 1 Кема мачтасига ўрнатилган, шамол кучи билан кемани юргизадиган катта кенг чодир. *Елканни кўтармоқ.* ▬ *Баъзилари елкан ямайди, Кекса ошпаз чархлайди пичоқ.* Э. Раҳим, Янги қадам.

2 Шундай чодир ёрдамида ҳаракат қиладиган, елканли кема. *Очиқ денгиз устидан енгил шамол елмоқда, Ҳув.. оқариб узоқдан, ёлғиз елкан келмоқда.* З. Диёр.

3 *кўчма* Елканга ўхшаш, унга нисбатли нарса. *Икки капалак кенг елкан ёйиб кўтарилди-ю, сал ўтмай кўздан ғойиб бўлди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ЕЛМОЯ Тез юрадиган (югурик) туя. *Ой Зебом елмоя миниб йўртади.* «Ёзи билан Зебо».

ЕЛМОҚ 1 Ҳаракатга келмоқ, эсмоқ. *Шамол ўйнаб, шамол елади.* Э. Раҳим. *Қир устида шабада Бир текисда елмоқда.* З. Диёр.

2 Шамолда, шамол кучи билан юрмоқ, учмоқ. *Ҳайдар ота унинг кетида қолиб, аста-секин елиб юрган сарғимтир чангга қараганича хомуш қолган эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

3 Тез юрмоқ, югурмоқ, шамолдек учмоқ. *Аскарлар турнадай тизилиб, елиб кетишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Поезд шу қадар елмоқдаки, Норматнинг назарида поёнсиз дашт чир айланиб, телеграф столбалари унга қараб чопиб кетаётгандай.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аваз аравага чиқиб улгурмай, от елиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 *шв.* Елдирмоқ. *Майдон-майдон бедовларни елинглар..* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Текис ерда бедов отни еламан.* «Ойсулув».

ЕЛПАТАК: **елпатак бўлмоқ** Атрофида гирдикапалак бўлмоқ, хизматида елиб-югурмоқ. *Мунча ўша зормандага елпатак бўлавермасангиз?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бурнигача беркитиб рўмол ўраб олган Зуҳра буви елпатак бўлиб, чой тараддудини кўрди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси – оқпадар..

ЕЛПИМОҚ 1 Елпиғич ёки бошқа бирор нарса воситаси билан ўзига ёки ўзгага ел, шабада тегизмоқ. *..хитойи елпиғич билан ўзини елпиди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Зайнаб шу ҳолда узоқ фурсат эрини елпиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёрмат.. қаттиқ «уҳ» тортди ва чопонининг ёқаси билан кўкрагини елпиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Поезд дим бўлганидан, йўловчилар газета билан ўзларини елпирдилар.* С. Аҳмад, Хотин.

2 Ҳилпиратмоқ, тебратмоқ. *Тоғдан эсган шабада.. аёлларнинг чакка сочлари ва бошларидаги рўмолларини бетиним елпийди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Шамол воситасида донни чиқинди ва чангдан тозаламоқ, совурмоқ. *Мошни елпимоқ.*

ЕЛПИШТОВОК 1 Дон елпиш учун ишлатиладиган ясси, юза ёғоч идиш. *У одамларга пича қараб турди, кейин елпиштовоқдай кенг, солқи юзи бирдан тиржайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 *кўчма* Шу нарсага нисбатлашни, унга ўхшаш нарсани (кишининг бети ва ш. к. ни) билдиради. *Қўйсанг-чи ўша елпиштовоғингни! Сенга шундай жононларни топиб берайки,*

ҳуснини кўриб, ақлинг оғмаса ҳисобмас. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЕЛПИҒИЧ 1 Елпиш-елпиниш учун ишлатиладиган ярим доира ёки доира шаклидаги буюм. *Мирзо Баҳром.. хитойи елпиғич билан ўзини елпиди.* А. Қаҳҳор, Мирзо. *Афанди товуқ патидан ранг-баранг елпиғич ясаб, бозорга олиб чиқди.* «Латифалар». *Товуслар кўркам думларини елпиғич каби ёйиб, аста мағрур юришади.* Ойбек, Навоий.

2 Умуман, елпийдиган нарса. *Иккинчиси югурганча ҳужрадан бўйра елпиғични олиб чиқиб, оловни елпиди.* «Саодат». *..отлар думларини елпиғич қилар ва косилкани ялқовлик билан тортарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЕЛҚАНОТ Ниҳоятда тез юрадиган, югурик, учар. *Соатига 200 километр йўл босадиган елқанот машина.. тик довонларнинг биринчисидаёқ ҳорғин туядек чўкади-қолади.* Ҳ. Ғулом, Куба ҳақида ҳикоялар.

ЕМ I **1** Ҳайвонларга бериладиган ғалла маҳсулотлари ва улардан тайёрланадиган озуқа. *Ем еган от тўрвани тешар.* Мақол. ▬ *Янга охурдаги емини ямлаб ютаётган сигирга қаради.* С. Нуров, Карвон. *Тарлонга азонда беш кило, тушда беш кило, оқшомда ҳам шунча арпа ем бердим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Кўлда боқиладиган қушларга бериладиган гўшт.

3 Қармоққа ёки тузоққа илинтириб қўйиладиган гўшт, чувалчанг ва ш. к.

Баланд (*ёки* **катта**) **охурдан ем емоқ** Ҳаёт, маишат даражаси юқори бўлмоқ (якка шахс ҳақида). *Сиз баланд охурдан ем еб юрган болага ўхшайсиз.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сен катта охурдан ем еб ўргангансан, чидолмайсан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ем бўлмоқ** Нарсага ёки кимсага емиш бўлмоқ, йиртқичлар оғзига тушиб ҳалок бўлмоқ. *Икки шунқор талашса, бир қарғага ем бўлар.* Мақол. ▬ *-Турғуной, — деди Мастон, — шу ерда қоладиган бўлсак, бўрига ем бўламиз.* А. Қаҳҳор, Мастон. **Оқ ем бўлмоқ** Сувда кўп туриб ёки чайналавериб оқариб кетмоқ (эт ёки тери ҳақида). *Оғзидаги оқ ем бўлиб кетган чандирни олиб, намат тагига қистирган кампир.. йиғлаб юборди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЕМ II От оёқларида ҳосил бўладиган чиқиқ, шиш касаллиги. *Отнинг оёғига ем тушса, оёғи қотиб қолади. Пайлари дириллаб учади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

Оёғингга ем тушганми? Секин, судралиб юрадиган (қадам ташлайдиган) одамга нисбатан қўлланадиган ибора.

ЕМАК I Егулик нарса; егулик, овқатлик, овқат. *Кечки емакка чақа топиш учун зарурият сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйда емакка бир қисим жўғари* [*жўхори*] *қолмади..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЕМАК II *эск. айн.* **емоқ**. *Хизмат тугалаёзгандан кейин ўзининг совиб қолган ошини емак учун Офтоб ойимлар ёнига ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЕМАКХОНА Овқатланиладиган жой, хона; ошхона. *Мадрасамиз уч қаватли бўлиб, биринчи қаватида ошхона, емакхона жойлашган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Боғчада овқат вақти бетинч бўлади: бири қошиқ ўйнаб, овқатини тўкади, бири бошқасиникига нон ташлаб юборади.. Шундай пайтда емакхонани айланиб юрадиган одати бор.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЕМИРМОҚ 1 Кўпориб, ағдариб туширмоқ, нуратмоқ. *Сув соҳилни емирар, алам — дилни.* Мақол. ▬ *Қирғоқларни емирган Аму, Тоғу тошни кемирган Аму.* Э. Раҳим.

2 *кўчма* Харобага, вайронага айлантирмоқ, бузмоқ. *Душман қанчалик гангитилса, унинг ўт очиш нуқталари қанча кўп емириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунча муқаррар бўлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Йўқ қилмоқ, барбод қилмоқ, тугатмоқ. *Умрни меҳнат эмас, ғам емиради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *..сизнинг ёрдамингиз менга большевикларнинг ўсиб бораётган кучини емириш учун керак.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЕМИШ Озиқ-овқат бўладиган нарса; овқатлик. *Молга берсанг соз емиш, боқар сени ёзу қиш.* Мақол. ▬ *-Емиш олиб келдим, — деди Баҳри эридан қўрқа-писа, — шавла билан нон.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Емиш бўлмоқ *айн.* **ем бўлмоқ** *қ.* **ем** I.

ЕМЛАМОҚ Ем бермоқ, ем билан боқмоқ. *Ғиркўкни емлаб, эртаги урушнинг ғамини ғамлаб, хотирини жамлаб ўтираверди.* «Равшан».

ЕМОҚ 1 Таом истеъмол қилмоқ, овқатланмоқ, тановул қилмоқ. *Қовун есанг — саҳар е, саҳар емасанг — заҳар е.* Мақол. ▬ *Биров ичиб ўлган дейди, биров ёмонроқ овқат*

еган экан дейди. «Гулдаста». *У* [*Бектемир*] *окопда қаттиқ нонни кусурлатиб чайнаб, консерва билан қўшиб, маза қилиб еди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тирикчилик ёки маишат учун ишлатмоқ, сарф қилмоқ. *Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди.* Мақол. ▬ *У* [*мирзо*] *бир кунлик даромадини ўн кун ер эди.* А. Қаҳҳор, Мирзо. *«Ҳосилини еганда эсласалар, бас», деган орзуўйи қуршамиш уни.* «Гулдаста».

3 Ўзиники қилмоқ, ўзлаштириб олмоқ. *Уезд ҳокими «акангни мингбоши қиламан» деб, уч минг йигирма етти сўм пулини еб, сайловда дегрезлик Исомиддин деган жаллобни сайлаган экан.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Акам бировнинг томини тешиб қамалган эмас ё бировнинг ҳақини еган эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Ишдан, сафдан чиқармоқ; шикастлантирмоқ, майиб қилмоқ; ўлдирмоқ. *«Отни единг», дедим ичимда.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Шундай, дўстим. Энди унинг ўзини йўқ қилмасак, сени ҳам, мени ҳам ейди.. — деди Давлатёр.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Камбағалчилик одамнинг ёруғ дунёдан бўлган умидини кемириб, зангдай еб ташлар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Баъзи сўз-отлар билан қўлланиб, шахсга шу сўз билдирган нарсанинг (зарбнинг) тегиши маъносини билдиради. Мас., *калтак емоқ, мушт емоқ, қамчи емоқ, тепки емоқ, шапалоқ емоқ, тарсаки емоқ* ва б.

Адабини (*ёки* **таъзирини**) **емоқ** *қ.* **таъзир**. *..вақтинча қозонган муваффақиятлари билан талтайиб кетган фашистлар адабларини емоқдалар.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Бўлди, яхшилар, шунча таъзирини еди, энди тавба қилгандир.* А. Муҳиддин, Риёкор. **Барҳам емоқ** *айн.* **барҳам топмоқ** *қ.* **барҳам.** *Дунёда ноҳақлик қанча камайса, тухмат барҳам еса, шунча яхши.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Бошини емоқ** *қ.* **бош.** *Бу феълинг бўлса, ё муродингга етасан, ё бошингни ейсан.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Гап емоқ** *қ.* **гап** II. *Қишнинг узун кунларида улфатлар бу ерда гап ейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Дакки** (*ёки* **дашном**) **емоқ** *қ.* **дашном**. *Кичкина бир қизчадан дакки еган ҳалиги аёл Эргашойни талаб берди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Дам емоқ** *қ.* **дам**. **Заха еган** *айн.* **захаланган** *қ.* **захаланмоқ**. **Илоннинг ёғини еган** *айн.* **илоннинг ёғини ялаган** *қ.* **ёғ**. *..шум укаси, илоннинг ёғини еган мўлтони онаси борлигини яширгандир..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ичини** (*ёки* **ич-этини**) **емоқ** Руҳан азобланмоқ, безовталанмоқ. *У шу оғир фикрлар билан ичини еб турганда, ичкаридан паранжили хотин чиқиб, эркаклардан олисроқда тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Содда қишлоқ боласи дилига тугилган гапларни айтолмай, кўп вақт ич-этини еб, саросимада юрди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Лат** (*ёки* **шикаст**) **емоқ** *қ.* **лат**. *Бўронда лат еган томлар, тахта деворлар ремонт қилинди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳаво жангида шикаст еган немис самолёти.. йигирма-ўттиз метр нарига келиб қўнди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Офтоб емоқ** Офтоб таъсири ўтмоқ, тегмоқ. *Узун шим кийган бу ёш йигитнинг синиққан рангига кўзи тушиши ҳамон, офтоб емаган студентлардан бўлса керак, деб ўйлади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Панд емоқ** *қ.* **панд**. **Пишириб е** (**пишириб есин, пишириб ейдими**) «Ўзингга буюрсин», «ўзингдан бошқага керакмас» маъносини билдиради. *Гулнор ўлгур, сени биров пишириб ейдими?* Ойбек, Танланган асарлар. **Пушаймон емоқ** (*ёки* **бўлмоқ**) Бирор иш, хатти-ҳаракати учун афсусланмоқ, афсус чекмоқ. *Ҳой Содиқ, кўзингни оч!.. Кейин пушаймон ейсан!* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. **Совуқ емоқ** Совқотмоқ. *.. от пишқириғидан чўчиб тушди-ю, шундагина ўзининг совуқ ея бошлаганини сезди.* Н. Фозилов, Дийдор. **Тараддудини емоқ** (*ёки* **кўрмоқ**) Ҳаракатини қилмоқ. *Уруш тараддудин ҳаммангиз енглар.* «Юсуф ва Аҳмад». **Фириб емоқ** *қ.* **фириб**. **Эсини** (*ёки* **ақлини, миясини**) **емоқ** *қ.* **мия**. *Ҳой Йўлчи, эсингни едингми? Уят!* Ойбек, Танланган асарлар. **Қулоқ-мия(си)ни емоқ** Гапираверib жонига тегмоқ. *Бас қил, қулоқ-миямни единг!* ▬ *Эй, қўйинг, афандим, шу гап билан ўн йилдан бери қулоқ-миямни ейсиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ғамини** (*ёки* **қайғусини**) **емоқ** Ташвишини қилмоқ, ўйламоқ. *Тахтда ўтирган Неколай сани, мани қайғумизни ейдими?..* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз, ўғлим, газет-пазетингизни кўриб, кечқуруннинг ғамини енг.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Ғам емоқ** *қ.* **ғам**. **Еб юборгудек** (*ёки* **қўйигудек**) Ўта ғазаб, жаҳл билан. *Санобар кўзларини катта очиб, Эшон ойига еб юборгудай қаради.* К. Яшин, Ҳамза. *У Шералига еб қўйигудек тикилиб қолди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Егани олдида, емагани кетида** Рўзғори яхши таъминланган,

ҳамма нарса тахт, камчилиги йўқ. *Нусратулланинг йўли бошқа, унинг таппа-тайёр ота мулки бор, егани олдида, емагани кетида.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Емаган сомсага пул тўламоқ** Бекордан-бекор чиқимдор бўлмоқ, ҳақ тўламоқ; қилмаган ишига жавобгар бўлмоқ. *Емаган сомсага пул тўлаш, деб шуни айтади..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЕМСАК *кам қўлл.* Кўп ейдиган, очкўз.

ЕМТИК *шв.* Емиш. *Жўхоридай қулар душманнинг лоши, Қузғунларга емтик бўлади гўши.* «Юсуф ва Аҳмад». *Бундан сўнг сира ёвузга емтик бўлмас.* Миртемир.

ЕМ-ХАШАК Ҳайвонларга бериладиган озуқалар. *Ем-хашак базаси.* ▬ *Қиш учун ем-хашакни мўл-кўл жамғариб қўйиш чорва маҳсулотини кўпайтиришнинг энг муҳим омилидир.* Газетадан.

ЕНГ Кийимнинг қўлга кийиладиган қисми. *Бош ёрилса — бўрк ичида, Қўл синса — енг ичида.* Мақол. ▬ *Кенг енгларидан чиқиб турган қўллари деҳқон қизларининг қўлларидек катта-катта.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ёрмат уҳ тортиб, енг учи билан пешона терини артди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Асрора*] *Рисолат кўйлакнинг бели ва енгини ўлчаб бўлгунча қараб турди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Енг ичида Яширин, махфий равишда. *Сира ғам еманг. Бу ишни енг ичида битказамиз.* «Муштум». *..эски касбу корини енг ичида юргизиб туриш учун ҳам борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Енгидан кириб, ёқасидан чиқмоқ (У енгидан кириб, бу енгидан чиқмоқ)** Ёлғон-яшиқ, ширин сўзлар билан ўзига оғдирмоқ, аврамоқ; шу йўл билан ишини битирмоқ. *..орадан кўп ўтмай, Муҳиддин қизнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқиб, унга уйланиб олди.* С. Абдуқаҳҳор, Уй остонадан бошланади. *Аъзам ўзига содда кўринган қизнинг у енгидан кириб, бу енгидан чиқди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Енг учида** 1) *айн.* **енг ичида**. *Қалинини енг учида олиб, жиғилдонга урди-да, қизни узатди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) *айн.* **қўл учида** *қ.* **қўл**. *Ўтар бобо унга енг учида қўл бериб ўтиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Енг шимармоқ** Жиддий киришмоқ, бел боғламоқ. *Шу йўсин кўп вақт руҳий хасталик кечириб, кутилмаганда жонланиб кетди, яъни «Ақоид»нинг шарҳига яхши тушунишга енг шимарди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳаёт учун жанг қилишга қайтадан енг шимардим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ЕНГИЛ 1 Оғирлиги, вазни кам, вазмин эмас. *Енгил юк. Енгил тош. Юки енгил эшак ётағон бўлади.* Мақол. ▬ *Мансуров қўзини енгил деб ўйлаб, бўшроқ олган эди, жуда оғир экан, қўлини эгиб, тушиб кетишига сал қолди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Қалин ва иссиқ бўлмаган, яланг қават; юпқа, юпун. *Нури юпқа, енгил рўмол учидаги тугунчакни ешиб, букланган қоғоз чиқарди-да..* Ойбек, Танланган асарлар. *Мезбонлар енгил кийимда, баланд айвоннинг баҳаво ерига қўйилган столнинг икки ёғида хомуш ўтиришар эди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

3 Кучи, таъсири ортиқ бўлмаган; кучсиз. *Ҳаво анчайин салқин эди.. Енгил шамол эсарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Авазнинг димоғига енгил шароб ҳиди урилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 *кўчма* Аста ва мулойим, ёқимли. *Енгил табассум.* ▬ *Кийим ечадиган жойда туриб.. бир йигит билан енгилгина саломлашди.* Мирмуҳсин, Умид. *Йигирма минут қадар вақт ўтгандан кейин, енгил таъзим билан Гуландом кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Катта куч-меҳнат талаб қилмайдиган; оғир, қийин эмас. *Енгил вазифа.* ▬ *Бизга сиздай бир одам керак. Бизникида иш минг марта енгил.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чиндан, адам борида ойимга енгил эди.. ишхонасига бориб келишни биларди, холос.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

6 У қадар жиддий, хавфли бўлмаган, оғир эмас. *Ҳозир аҳволи анча енгил.* ▬ *Мен жангларда уч марта енгил ва икки марта оғир ярадор бўлдим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Тепки касаллигида.. нерв системасида ҳам ҳар хил ўзгариш бўлиб, енгил ўтадиган менингит ҳам бўлиши мумкин.* «Саодат».

7 Руҳан эркин, тетик ҳолатли, ёқимли ҳис-туйғули. *Баъзан киши бир-бири билан гаплашиб, кўнглидагини бўшатиб турса, ўзини енгил сезади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўртадаги ноқулайлик, хижолатпазлик йўқолди, табиий ва енгил муҳит пайдо бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

8 Жиддий, расмона бўлмаган, енгил-елпи (фикр, мулоҳаза ва ш. к. ҳақида). *Баъзи енгил мулоҳазаларинг онангникидан қолишмайди, Отабек!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен бир хизматкорларинг бўлсам.. Сиз жуда енгил ўйлайсиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 Юзаки фикр юритадиган, ўз иши, гап-сўзига жиддий эътибор билан қарамайдиган; оёғи қинғир. *Ўзингга муносиб гапни гапир! Енгил бўлма!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *..ҳовлиқма, лақма, енгил Лутфинисо бунга чиндан ишонар.. ким кўринса, шунга кўз ёши қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Енгил атлетика *қ.* **атлетика. Енгил кўчмоқ** Қийинчиликсиз амалга ошмоқ, қийналмай, осонлик билан бўлмоқ. *Баҳор юки енгил кўчиши учун қиш фаслида замин яратилади.* Газетадан. *Ишнинг енгил кўчишига севинган она.. ўғлини Марғилон кетмакка қистай бошлади.* **Енгил машина** *қ.* **машина. Енгил оёқ** Ёмон (ношаръий) йўлларга юрадиган, суюғоёқ. *.. менинг қизим унақа енгил оёқлардан эмас, унинг ақли-ҳуши жойида.* Н. Фотиҳ, Турсуной. **Енгил саноат** *қ.* **саноат**. **Енгил таом** Яхши, тез ҳазм бўладиган таом. *Илгариги вақтларда парҳез таомларни «енгил» ёки «оғир» овқатлар деб, икки гуруҳга бўлиб, касалларга буюрилар эди.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. **Енгил тортмоқ** 1) руҳан енгиллашмоқ, тетиклашмоқ. *-Бу фикр чакки эмас, — деди бир оз енгил тортиб.* «Муштум». *Қудрат ўша ёққа қаради-ю, ҳокимнинг йўқлигини кўриб, пича енгил тортди.* М. Исмоилий Фарғона т.о.; 2) касали тузала бошламоқ, касалдан ўзини яхши ҳис қилмоқ. *Эртага ўрнимдан туриб кетадиганга ўхшайман, ҳозир ҳам анча енгил тортдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тупроғи енгил** Бирор жой, иш-вазифадан кўчиши, ўтиши осон бўладиган, осон кўчадиган шахсга нисбатан қўлланади. *-Тўғри, колхоз раиси, айниқса, раисасининг тупроғи енгил бўлади, — деди Комила жиддий тус билан.* Ойбек, О.в.шабадалар. **Тупроғинг енгил бўлсин** Дафн маросимида қабр устида айтиладиган ибора. *Лайлонинг қабри гулчамбарларга тўлиб кетди. Тупроғинг енгил бўлсин, севгилим! Бир қисим тупроқ олиб, унинг қабрига сочаман.* М. Қориев, Ойдин кечалар. **Қўли енгил** Бирор иш-амалида тез кушойиш топиладиган шахсга нисбатан қўлланади. *-Докторнинг қўли жуда енгил экан, — дейишади беморлар.* С. Нуров, Дурдона. *Бахтингиз бор эканки, мендай қўли енгил, дами ўткир ромчига йўлиқдингиз.* К. Яшин, Ҳамза.

ЕНГИЛ-ЕЛПИ 1 Вазни унча оғир эмас, енгил. *Болалар орасида Остап билан Сарсенбой ҳам енгил-елпи нарсаларни ташишда ёрдамлашишмоқда.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

2 Унчалик куч, машаққат талаб қилмайдиган. *Ҳамма оғир ишларни барака топкур йигитларнинг ўзлари қилишарди, биз, чолларга эса енгил-елписи қоларди.* В. Ғофуров, Вафодор.

3 Жиддий, расмона эмас, енгил. *Директор билан администраторга яна енгил-елпи чора кўрилган бўлди.* «Муштум». *Уч аёл енгил-елпи нонушта қилиб олишди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 *кўчма* Жиддий тарзда эмас; юзаки. *Халқ ишига енгил-елпи қарашга, ҳавойи ваъдалар билан кўз бўяшга асло тоқат қилолмаймиз.* Ш. Рашидов. Бўрондан кучли. *Ҳаётга енгил-елпи қарашади, деган ақидада юрарди.* С. Нуров, Нарвон.

ЕНГИЛ-ЕЛПИЛИК Енгил-елпи иш тутиш, енгил-елпи муносабат, қараш. *Канал асрлар бўйи туради. Бинобарин, бу ишда енгил-елпиликка йўл қўйиб бўлмайди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЕНГИЛЛАМОҚ 1 *айн.* **енгиллашмоқ**. *Юки енгиллади.*

2 *кўчма* Енгил тортмоқ, тузалиб, соғайиб, ўзини яхши ҳис қилмоқ. *-Худога шукур! — деди Ҳасанали, — боягидан бир оз енгилладим. Мазмуни, ис теккан экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анча шамоллаб ва енгиллаб кирган вақтида, мингбоши дастурхон ёнига ағанаб, учиб қолган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЕНГИЛЛАНМОҚ 1 *айн.* **енгиллашмоқ 1**. *Баҳор, қизлар енгилланиб, кўчага чиқишган.*

2 *кўчма* Енгил тортмоқ, ўзини енгил ҳис этмоқ. *Полвоннинг юраги аста ёришиб, ўзи енгилланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЕНГИЛЛАТМОҚ Енгилламоқ фл.орт.н. *Юкини енгиллатмоқ.* ▬ *Унсин унинг ишини енгиллатмоқ истайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Танини (*ёки* **бўйнини**) **бошидан енгиллатмоқ** Бошини олмоқ, ўлдирмоқ. *Шоҳим, бошини қулоғидан енгиллатдингиз. Энди бўйнини бошидан енгиллатинг.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ЕНГИЛЛАШМОҚ 1 Оғирлиги камайиб, енгил бўлиб қолмоқ, енгилламоқ. *Юки енгиллашди.*

2 Енгил кўчмоқ, осонлашмоқ. *Бир иш кўнгилдагидек адо этилса, иккинчисини ба-*

жариш анча енгиллашади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Оғирлик яна икки кун, сўнг ишларингиз анча енгиллашади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *кўчма* Жиддийлиги, оғирлиги кучсизланмоқ, енгил томонга ўзгармоқ. *Мушкули анча енгиллашган Бийрон Одилни зарб билан четга итарди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *..зора сенинг шарофатинг билан гуноҳимиз енгиллашса!* У. Исмоилов, Сайланма.

4 *кўчма* Руҳан енгил тортмоқ. *Бу сўз билан Отабек бир оз енгиллашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бобур.. отини қамчилаб, навкарлар қуршовини ёриб чиққанда, юзига шабада тегиб, хиёл енгиллашди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 *кўчма* Енгиллик, ижобий томон ўзгармоқ, тузалмоқ. (дард, касал ҳақида). *Эридан лоақал бир хабар келганда ҳам бир нави эди, дарди енгиллашармиди.* Ш.Рашидов, Кудратли тўлқин.

6 *с.т.* Ҳомиладорлик муддати тугамоқ, туғмоқ.

7 *кўчма* Номақбул, ҳаёсиз, «суюқ» тус олмоқ. *Ичкилик таъсирида хотинларнинг қилиқлари жуда енгиллашади, кўзлари, юзлари ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЕНГИЛЛИК 1 Енгил эканлик. *Юкнинг енгиллиги. Овқатнинг енгиллиги. Масаланинг енгиллиги.*

2 Эркин, енгил ҳолат, шароит. *-Подшоҳларнинг тез-тез ўлиб тургани маъқул, бу эса фуқарога бир қадар енгиллик келтиради, — дерди Меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Руҳиятдаги ёқимли ҳолат, хуш кайфият. *Одамнинг руҳида шу қадар енгиллик пайдо бўладики, қанот чиқазиб, олис уфқларга учиб кетгинг келади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Поезд қўзғалгандан кейин, Замира ажойиб бир енгиллик ҳис қилди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 *кўчма* Оқибатини ўйламай қилинган ҳаракат, енгилтаклик. *Уйини ташлаб кетиб, енгиллик қилиб қўйдими-а!.* С. Зуннунова, Гулхан. *Мирзакаримбойнинг қизи Нуринисонинг табиатида енгиллик билан макр устун турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хотинингиз енгиллик қилаётган бўлса, сиз оғирлик қилинг.* С. Аҳмад, Уфқ.

5 *айн.* **имтиёз.** *У хизматда ҳам ўзига заррача енгиллик талаб қилмади.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

ЕНГИЛМАС 1 Енгилмоқ фл. сфдш. *Бирлашган куч — енгилмас.* Мақол.

2 *сфт.* Кураш, жанг ва ш. к. да сира енгилмайдиган, доим ғолиб бўладиган. *Енгилмас қўшин. Енгилмас баҳодир.* ▬ *Ҳаётни қийинчиликлар, муаммолар олдида енгилмас кишиларгина ривожлантира оладилар.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ЕНГИЛМОҚ Мағлуб бўлмоқ, мағлубиятга учрамоқ. *Амир енгилди, аскарлари бузилиб, уруш майдонидан қочдилар.* С. Айний, Қуллар. *Дунёда зўрлар яшайди, талашларда енгилганлар, ожизлар йўқолиб кетади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЕНГИЛТАК 1 Оқибатини ўйламай иш қиладиган, енгил табиат. *Енгилтак киши.* ▬ *Меҳнаткаш хотин.. ўзини ишга урди, енгилтак Ўринбой эса аламига чидолмай, ичиб кела бошлади.* С. Нуров, Янгича тўйлар муборак.

2 Одобсиз, ахлоқсиз, суюғоёқ. *У* [*Фуод афанди*] *Ҳожи хола сингари енгилтак қизжувонларни ахтарар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўз умрини хазон қилган, бир енгилтак аёлни хотинидан афзал кўрган.. бу йигит ким ўзи?* Газетадан.

ЕНГИЛТАКЛИК Енгилтак шахсга хос хусусият, хислат, хатти-ҳаракат. *Бўронбек унинг ҳовлиқмалигини, табиатидаги енгилтакликни билар эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Сиз бу енгилтаклигингиз билан менинг ширин рўзғоримни аччиқ қилдингиз.* «Гулдаста». *Касб танлашга енгилтаклик билан қараган киши ҳаётда читтакка ўхшаб беқўним бўлади.* Р. Усмонов, Одобнома.

ЕНГЛИК 1 Нон ёпиш ва нонни узиб олиш пайтида қўлни ўтдан сақлаш учун тирсаккача кийиб олинадиган қалин енг. [*Шербекнинг*] *Онаси енгликда тандирдан янги узилган патир, иккинчи қўлида косада совуқ сув кўтариб кирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Енг учун кесилган мато бўлаги.

ЕНГМОҚ 1 Кураш, жанг ва ш. к. да ғолиб бўлмоқ, ғалаба қозонмоқ, рақибини мағлубиятга учратмоқ. *Маккор девни енгмоқ. Мусобақада бизнинг командамиз енгди.* ▬ *Йўлчи ҳам, Қора Аҳмад ҳам мушт билан бирбирларини енга олмасликларига ишонч ҳосил қилишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Қаршилик, қийинчилик ва ш. к. ни бартараф этмоқ, уни йўқ қилмоқ, қи-

йинчиликларни енгмоқ. *Ҳаёт нашидаси шу кураш, хавф-хатар, тўсиқларни енгиб ўтиш, интилиш бор учун ҳам қизиқ, лаззатли.* С. Нуров, Нарвон. *Жангчиларимиз босқинчиларнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, Днепрдан ҳам кечиб ўтдилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 *кўчма* Таъсирини ўтказмоқ, таъсир кучи ғолиб келмоқ (дард, касал кабилар ҳақида). *Элгелдининг кўзларидаги ғазабни бахтсиз бир маъюслик енган эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ғам-койиш хийлагина енгиб қўйган Марасул кирди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 Ўзига бўйсундирмоқ, ҳукмига олмоқ. *Жувон тойни бемалол енгиб кетаётган бўлса ҳам, қишлоқдан чиққунча, Асқар ота жуда толиқди..* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Тўғри, бешўн кун қаттиқчиликни устимизга олиб, шу оз улов билан кўкламни енгиб олсак, кўп одамларнинг кўзи очилиб кетади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Гап билан устун келмоқ, ўз гапини ўтказмоқ. *-Абдишукурни худо гапга бичган, енгиб бўлмайди, — деди Жамолбой пихиллаб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ота ўғлини гап билан енгиб бўлмаслигини фаҳмлаб, ирғиб турди.* С. Сиёев, Аваз.

6 *шв.* Ҳайдамоқ, минмоқ (аравани). *..балки у* [*аравакаш*] *ўз аравасини эмас, бой аравасини енгиб кетаётгандир.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ЕНГСАК *шв.* Енглик. *Ошхонада Бунисо хола бўз енгсак билан тандирдан жазиллаган зоғора нонни узиб олар эди.* Ойбек, Зумрад. *Онам нон ёпади бўғриқиб-бўртиб, дам-бадам куяди қўли енгсакда.* Миртемир.

ЕНГЧА *шв. айн.* **енглик**. *Онаси тандир олдида қўлига енгча кийиб, лоладек қип-қизил кулча бетига сув сепяпти.* С. Аҳмад, Сувлар оқиб кетди. *Сожидахон тутаётган енгчасига косадаги сувдан сепиб ўчирди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ЕПИСКОП [*юн.* episkopos — назоратчи] Христианлар черковида олий диний унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс; архиерей.

ЕР 1 (Е — *катта*) Қуёшдан кейинги учинчи планета. *Ер шари. Ер айланаси. Ер Қуёш атрофида айланади. Ернинг сунъий йўлдоши.* ▬ *..агар Ер шарининг ярми тилла, ярми ер бўлиб, биров мендан қайси томонида яшайсиз, деб сўраса, мен иккиланмай, ер томонини танлаган бўлардим.* Н. Фозилов, Қуш — қаноти билан.

2 Шу планетанинг қуруқлик қисми (сув билан қопланган қисмига қарама-қарши қўйилганда). *Ер планетамизнинг олтидан бир қисмини ташкил этади.*

3 Планетамиз қобиғининг сиртқи қатлами. *Ер бағри. Ер ости бойликлари. Қора (қаро) ерга киргур! (қарғ.). Ер ютгур! (қарғ.). Осмон узоқ, ер қаттиқ.* Мақол. ▬ *Бир вақт ер ости дукиллагандек бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 Нарсалар турган, тирик организмлар ҳаёт кечираётган юза, сатҳ (шахс ёки бошқа нарсаларга нисбатан). *Ерга палос солмоқ. Томдан ерга қуламоқ. Коса столдан ерга тушиб синди. Ерга тушган — етимники.* Мақол. ▬ *Сидиқжон бўсағадан бир қадам ичкарида чўнқайди-да, болани ерга қўйиб, онасига йўллади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Ер сатҳининг муайян бир қисми; жой, ҳудуд. *Тошлоқ ер. Обод ер. Ҳайдалган ер. Баланд-паст ерлар.* ▬ *Йигит уфқларга туташ ерларни кўздан кечиради.* Газетадан. *Ярадорларни тезда хавф-хатарсиз ерга олиб чиқиш зарур бўлиб қолди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

6 Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган тупроқ қатламი, экин, дарахт ва ш. к. экиладиган жой, майдон. *Мен ҳам деҳқон боласиман.. Отам Одил кўр деган қўқонлик бойнинг ерини экар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Меҳнати-ла гуллатар Бир танобча ерини.* Ғайратий. *Чўл одами худди янтоққа ўхшаши керак.. оёғи остидаги ризқи сочилган ерга чуқур томир отиши лозим.* Газетадан. *Еринг бўлса, меҳнати ҳам, роҳати ҳам ўзингники бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Бирор нарса банд қилиб турган, эгаллаган ўрин, жой; макон. *Дарахт бир ерда кўкаради.* Мақол. ▬ *Ҳоким чўзилиб ётган еридан туриб, ташқари чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Офицер йиқилди ва ётган ерида қўлини кўтарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

8 Бирор мамлакат, давлат, халқ, хўжалик ва ш. к. га қарашли ҳудуд. *Қони, эти.. ери, тили.. бир бўлган бир халқ нима учун икки душман гуруҳга бўлиниб, бир-бирининг қонини тўкади?* Ойбек, Навоий. *Ўн уч хўжалик ерини қўшибди.. трактор бир ярим кун ишлаб, тизза бўйи ҳайдаб берибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

9 Бирор нарсанинг ёки аъзонинг айрим қисми, ўрни, нуқтаси, жойи. *Гиламнинг бир ерида доғи бор. Ҳақ — ерини топар.* Мақол. ▬ *Хат саккиз букланиб, қизил ипак билан бир-икки еридан чатилган ва Отабекка аталган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..беш еридан ўқ еганига қарамай.. ер бағирлаб кетишди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳожи хола ўз таржимаи ҳолининг жуда кўп ерларини ташлаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

10 Иш жойи, муассаса, ташкилот. *Ишлаган еридан ҳужжат келтирмоқ. Бирор ерга арз қилмоқ.* ▬ [*Бадрий:*] *Сизлар билан бошқа ерда гаплашаман!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

11 (*ж., ў.-п., ч. к. шаклида*) *кўм. взф.* Пайт, ўрин, сабаб каби муносабатларни билдиради. *Кутилмаган ерда шаҳарнинг аъёнларидан бўлган Салим шарбатдор деганнинг Комилбек исмли ўғлидан совчилар келиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Рўзимат айтмоқчи, гап бошқа ерда бўлиши ҳам мумкин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сариқ атласни кийишга чоғлаб кўрган бўлса-да, бироқ кўйлакни олган ерида бу фикрдан қайтди.* К. Яшин, Ҳамза.

Ер билан яксон бўлмоқ *қ.* **яксон**. **Ер бўлмоқ** Йўқ бўлмоқ, ерга кирмоқ. *Элга қўшилсанг, эр бўласан, элдан ажралсанг, ер бўласан.* Мақол. *Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз ер бўлар.* Мақол. **Ерга урмоқ** Қадрини камситмоқ, таҳқирламоқ. *Мен номус-оримни ерга урган душманимнинг қонини ўз қўлим билан тўкишим керак..* К. Яшин, Ҳамза. *Қўйсангиз-чи.. Ўзингизни жуда ҳам ерга уриб юбордингиз-е.* К. Яшин, Ҳамза. [**Юзини**] **Ерга қаратмоқ** Номус-ҳижолатга қўймоқ. *Эл-юрт ичида оламга довруғи кетган отамнинг юзини ерга қаратди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ватаннинг амри шу, бурчингни бажар, Охири юзимни ерга қаратма!* Ғайратий. *Уялмайсанми.. «Мен фалончига тегаман», деб ота-онангни ерга қаратиб қўйишга!* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Ер остидан қарамоқ** Юзни ер томонга қилган ҳолда рўпарасидагига қарамоқ. *Эртоев.. йигитларга ер остидан бир қаради-ю, пешонасидаги ажинлари ёзилиб, кутилмаганда хушнуд жилмайди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Ер(нинг) тагида(н) бўлса ҳам** Қаерда(н) бўлса ҳам. *Ма, лайлак, ер тагидан бўлсаям, иккита вино топиб ке.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ер тишламоқ** *қ.* **тишламоқ.** *Бомбардимонда юзлаб фашист солдат, офицерлари ер тишлади.* **Ер чизиб қолмоқ** *қ.* **чизмоқ.** *Камол қози анча паст тушиб, Сафохон тўра олдида ер чизиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза. **Ер юзи** Бутун дунё, олам. *Бу хабар бутун ер юзига тарқалди. Ер юзидан келаётган хабарлар.* **Ер қилмоқ** Қаттиқ беобрў қилмоқ, ерга киритмоқ. *Сиз раҳбарсиз! Мени бир имо билан ер қилиб қўйишингиз мумкин.* С. Нуров, Нарвон. **Бурнини ерга ишқамоқ** Роса таъзирини, адабини бермоқ. **Гапни бир ерга қўймоқ** *қ.* **гап. Осмон йироқ (узоқ), ер қаттиқ** Ҳаёт, яшаш шароити ночор ва иложсизлик ҳолатида деган маънода қўлланувчи ибора. *Ибн Ямин табиблик, Жаҳонбуви доялик қилишди. Лекин бу билан ҳам мурод ҳосил бўлмади. Осмон узоқ, ер қаттиқ эди! Сал кунда олти бола.. оламдан ўтди.* К. Яшин, Ҳамза. **Сўзини** (*ёки* **гапини, илтимосини**) **ерда қолдирмоқ** Сўзини (гапини, илтимосини) бажармаслик, инобатга олмаслик. *Ойим бувимнинг сўзини ерда қолдирмади-ю, ўйлаб-ўйлаб, охири «Дамир»ни топди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Гавҳар унинг қоронғида ғира-шира кўриниб турган меҳрибон чеҳрасидан бу сафар ҳам илтимосини ерда қолдиролмаганини тушунди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Туянинг думи ерга текканда** *қ.* **туя. Қолган еридан** Келиб тўхтаган, узилиб қолган жойидан (бирор иш, хатти-ҳаракат ҳақида). *Ана энди уйқуни қолган еридан олаверинг..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЕРДОР Ер эгаси, мулкдор. *Арслонқул.. болаликдан пода боққан, ердорларнинг хирмонини кўтарган, қўш ҳайдаган.* Ойбек, Навоий.

ЕРЁНҒОҚ Мағизи (меваси)дан мой олинадиган бир йиллик дуккакли ўсимлик ва унинг меваси.

ЕР-КЎК Бутун атроф, ҳамма ёқ; коинот. *Ер-кўкка шафқатсиз аланга сочаётган қуёш қандайдир рангсиз бўғиқ ҳаводан соябон ясаб, коинотни тўсиб қўйгандай.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Шамол турди, қум кўча бошлади, ер-кўкни қум босди.* К. Яшин, Ҳамза.

Ер-кўкка ишонмайди Ортиқ даражада ардоқлайди. *Қизини ер-кўкка ишонмаган.. онаси.. катта шавкат ва шов-шув билан узатишни орзу қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЕРЛАМОҚ Кўммоқ, дафн этмоқ. *Болага қарасам — ўлик.. гўдакни ташлаб кетишга кўнгил бўлмади, уни ерлаш керак эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ЕРЛИ Ерга эга, ери бор. [*Йўлчи*] *Мироблар билан оғиз-бурун ўпишган катта ерлилар, бой деҳқонлар зўравонлигидан, экини қуриб қақраган камбағал деҳқонларга дўқ қилиб, ғалва кўтаришидан нафратланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўртоқ Очилди.. Тиктепанинг ўзидан чиққан, кам ерли камбағал деҳқон боласи.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЕРЛИК Шу ернинг ўзида туғилиб ўсган, туб жойлик, маҳаллий. *Бундан уч йил бурун, Андижон зилзиласидан кейин, Симхоев заводидаги ерлик ишчилар.. иш ташладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ольга ҳам, эри Иван Павловичга ўхшаб, одамшаванда чиқди. Ерлик қўшни хотинлар билан иноқлашиб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Ерда яшовчи, Ерга мансуб. *Кемамиз Ер атрофини айланиб туради. Унинг шундай мосламалари борки, мавжудлигини ерликлар сезишмайди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ерликларнинг бобокалонлари ҳам «Занги»нинг тўртинчи сайёрасиданлигига имоним комил.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

3 Кўрсатиш, сўроқ олмошлари ва б. баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар қайд этган жойга мансубликни билдиради. *Бу ерлик. Ўша ерлик.* ■ *Устод Қавом шу ерлик, бизнинг аслимиз Бухородан..* Мирмуҳсин, Меъмор.

Ерлик қилмайди Ер, жой сифатида хизмат қилмайди, ярамайди. *У ер сизларга ерлик қилармиди.* Туйғун, Зулфизар.

ЕРЛИЛАШТИРМОҚ *тар.* Идора, муассаса ва ш. к. да ишловчилар сафида маҳаллий аҳоли вакиллари сонини кўпайтирмоқ. *Ўзларинг «ерлилаштир» дейсизлар-да, яна чек қўясизлар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЕРЛИ-СУВЛИ Мулк сифатида ер-сувга эга бўлган, ер-суви бор. *Икки гапнинг бирида* [*Ёрмат қизини*] *хотин устига бўлса ҳам бойга, ерли-сувлига бераман, дейди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳар бир камбағал, эҳтимол, ерли-сувли бўлади, — дейди Алим бува.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЕРПАРЧИН: **ерпарчин бўлиб** Ерга парчинланиб, ёпишиб. *Унинг оёғи ҳам сизнинг оёғингиз каби шол экан. Ерпарчин бўлиб ётарди..* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Мамаюсуф дарахтга бориб урилиб йиқилди-ю, ўша жойда ерпарчин бўлиб қолди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЕРСИЗ Ери йўқ. *..мулла Обид Тиктепа чоракор ва ерсизларини жуда ҳам ранжитади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЕРТАНДИР Ер юзасига тик ҳолда ўрнатиб қурилган тандир. *Ертандир устига чиқиб, офтобда юз юваётган бароқ мушук миёвлади.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар..

ЕРТЎЛА 1 Бино остидаги хона. *У подшо саройидан анча олисда, дарёнинг нариёғидаги баланд уйлардан бирининг ертўласида турар-кан.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Ердан ўйиб қилинган жой; землянка. *Ана, ҳозир қамиш капалар, брезент палаткалар, ертўлалар кўриниб қолар, деб келяпман.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ЕСИР [*а.* يسير — қуллар, асирлар] Эри ўлган, эрсиз қолган хотин; бева, тул. *Бу етим ўғил бўлиб, есир онанинг қўлида қолаверди.* «Муродхон». *Эронийлар эл-юртни талаб, эркакларни қул, хотинларни есир қилиб олиб кетаётирлар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЕТАК 1 Етаклаб, эргаштириб бориш; етов. *Етакда туяси, келар эди чол..* Миртемир. *Биттадан отни етакка олиб, икки отлиқ орқасига қайтди.* Й. Шамшаров, Довруқ.

2 *кўчма* Йўл, йўл-йўриқ. *Берган оқ сутимга рози бўлмайман, Энанг бўлиб, етагингга юрмайман.* «Рустамхон». *Одамнинг душмани жинлар бўлади.. Етагига юрган жинни бўлади.* «Муродхон».

ЕТАКИ Етакда юрадиган, етакка олинган. *Оташкурак жингиллаб, Етаки отлар ҳингирлаб..* «Гулшанбоғ».

ЕТАКЛАМОҚ 1 Қўлидан ушлаб, кўмаклашиб олиб юрмоқ. *Вали ака ўғлини етаклаб, ташқарига олиб чиқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Қўйинг, буви, хафа бўлманг, — деди Ғуломжон онасини ичкарига етаклаб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Ўзига эргаштириб (юрмоқ), ўзи билан бирга олмоқ (тўғри ва кўчма маънода). *Марғилондан Тошкентга ўз шогирди Охунжон қизиқни етаклаб, Юсуфжон ака ҳам келди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Табиат ўзининг мангу, бузилмас қонунига амал қилиб, кўкламни етаклаб келган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Етовга олмоқ. *Отни етакламоқ. Туяни етакламоқ.* ■ *Матпано молхонадан ҳўкизларни етаклаб чиқди.* С. Сиёев, Аваз.

4 *кўчма* Раҳнамолик қилмоқ, йўлламоқ. *Ғалабалар сари етакламоқ.* ■ *Постанов-*

качи режиссёрнинг ёш санъаткорларни катта санъат майдонига дадиллик билан етаклаши таҳсинга сазовордир. М. Яҳёев, Ҳақ енгади.

ЕТАКЛАШМОҚ 1 Етакламоқ фл. бирг. н. *Шундан сўнг отларини етаклашиб, ичкарига кирдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қўл ушлашиб юрмоқ, биргаликда бўлмоқ. *Опа-сингил етаклашиб, темир йўлчилар посёлкасидан чиққанда, қуёш ботган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ота-бола етаклашиб, уйга чиқдик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЕТАКЧИ 1 Йўл юриш, йўналишда бошқариб, «етаклаб» борувчи, бошқарувчи. *Ҳар бир пода ва галанинг етакчи бошлиғи — серкаси бўлади.* «Фан ва турмуш». *Гала бошидаги етакчи ўрдак аллақандай овоз билан чуриллаб, ўз етагидагиларни огоҳлантириб боради.* Р. Бекниёз, Ҳаво йўли. *Узоқларда турналарнинг қурқураши эшитиларди, турналар бошида етакчиси учиб борарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *кўчма* Йўлбошчи, раҳбар. [*Ғафур ака*:] *Кўпчиликка етакчи, катта-кичикка баравар, қандини есин!* Н. Мақсудий, Умидли бола. *..Назира Йўлдошева йирик хўжаликнинг жонкуяр етакчиси.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *кўчма* Асосий, бош. *Саноатнинг етакчи тармоқлари. Театрнинг етакчи артисти.* ▬ *Буларни ёзиб олиш, қиёсий ўрганиш.. фольклоршуносликнинг етакчи вазифаларидан ҳисобланади.* Газетадан.

Етакчи феъл Феълнинг аналитик шаклида луғавий маъносини сақлаган феъл. Мас., *ўқиб кўр, қириб ташла, чидаб тур, бора олади* феъл шаклларида *ўқи, қир, чида, бор* феъллари етакчи феъл ҳисобланади.

ЕТАКЧИЛИК Бошчилик, раҳбарлик. *Жавод Кўчиев.. далачилик бригадасига етакчилик қила бошлади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЕТАР-ЕТМАС *рвш.* **1** Маълум мўлжал, меъёрдан бир оз камроқ, сал кам. *Ўтган йили меҳнат кунига ярим килога етар-етмас буғдой, йигирма уч тийиндан пул олган капсанчилар бу йилги даромадни кўриб, бутун орзулари ушалгандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Етишига оз қолганда. *Уйга етар-етмас, орқамдан ўғлим бориб қолди.*

ЕТАРЛИ 1 Маълум бир ерга ёки даража-меъёрга қарийб етадиган. *Икки дераза ўртасида шипга етарли катта тошойнак.. бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор эҳтиёж ёки мақсад учун кифоя қиладиган, етадиган. *Етарли пул. Етарли ёрдам.* ▬ *Ғўза қўшимча кўсакларни етиштириш учун ердан етарли озиқ ололмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЕТИЛМОҚ 1 Меъёрий даражасига етмоқ, тобига келмоқ. *Нишолданинг қиёми етилди.* ▬ *Кунлар исиб, кўтарилган нам, Ерлар исиб, етилган тупроқ.* Ғайратий. *Етилган ерлар пешма-пеш бороналаниб, экишга тахт қилиб қўйилмоқда.* Газетадан. *Бу йил ҳам ғўза обдан етилгандан кейингина дефолиацияни бошладик.* Газетадан.

2 Ўсиб, ривожланиб, истеъмол қилиш, пишиш даражасига етмоқ; пишмоқ. *Фосфор ва калий ўғитлари меъёридагидан ортиқроқ берилса, картошканинг етилиши тезлашади.* «Фан ва турмуш». *Қовун қарс этиб ёрилди. -Жониворхўб етилибди-да, — деди Мадаминхўжа қовунни коса қилаётиб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Ўсиб, улғайиб балоғатга етмоқ. *У боёқишнинг нуридийдаси, етилган қизи бирдан ғойиб бўлсин..* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Пишиб етмоқ, долзарб бўлмоқ. *Таълим-тарбия савиясини оширишнинг етилган масалалари ишчанлик билан ҳал этилаётир.* Газетадан. *Шундай баъзи етилган саволларимиз бор.* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи.

5 *кўчма с.т.* Кайфи ошмоқ; қаттиқ маст бўлмоқ. *Ҳар ким билан қадаҳ уриштириб ичавериб, роса етилибди.*

6 *кам қўлл.* Бирор даража, мавқе ва ш. к. га етмоқ, эришмоқ; етишмоқ. *Бу.. оддий докладлардан эмас, балки.. етим-камбағал болаларнинг мана бугун ўқитувчи бўлиб етилганлари тўғрисида таъсирли бир қисса.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳамза.. такаллуми ифодали, мантиқли, зеҳни ўткир.. ўз сўзли йигит бўлиб етилган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЕТИМ [*а.* يتيم – ота-онасиз, етим, яккаю ягона; ноёб] **1** Отадан, онадан ёки ҳар икковидан ажралган. *Етим бола. Етим қўзи.* ▬ *Уларнинг бири олти яшар, бири тўрт яшар етим набиралари Унсинни севадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳали овқат ейишга ўрганмаган тўртта бузоқ кўзлари мўлтираб*

етим қолади-ю, ачинмай бўладими? С. Анорбоев, Оқсой.

Тирик етим Отаси ёки онаси ёки ҳар иккови томонидан ташлаб кетилган қаровсиз бола. *Ўғлингни тирик етим қилма. Боланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса, устингга ол.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Истардикки, «етим», «тирик етим» сўзлари дунёда йўқ бўлса, фақатгина китоблардагина қолса.* Газетадан.

2 *кўчма* Ташлаб қўйилган, эътибор берилмайдиган, қаралмайдиган шахс ёки нарсага нисбатан қўлланади. *Айниқса, бизнинг бечора мўйтан уруғи — қўнғирот элининг шўрлик етими, бир шапалоқ урса ҳам, эвазига жон бериб келган.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Етим қовурға** *анат.* Энг пастки жуфт қовурға.

ЕТИМВАЧЧА [етим + *ф.* بچه — бола] *эск.* Етим бола. *-Бу ота-бобоси мактаб кўрмаган етимваччаларингизга шундай муаллимни қаёқдан топасиз? — деди Бобохўжа домла.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ЕТИМ-ЕСИР 1 Етим ва есир(лар). *Сизлар суриштирмай, қулларимизни боғлаб, зиндонга юборасиз, мол-ашёмизни талайсиз, хотин-болаларимизни етим-есир қиласиз.* С. Айний, Дохунда.

2 Умуман, етим ва қаровсиз (қаровчисиз) қолган (болалар). *Уйи куйиб, хонавайрон бўлган камбағал деҳқонларнинг етим-есир болалари билан интернатлар тўлиб кетди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар. *Эр-хотин: «Энди биронта етим-есирни топсин, ичкуёв қиламиз..» деган хулосага келишибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЕТИМЛИК 1 Етим эканлик. *Ундан битта ёдгорлигим.. етимлиги билинмасин, ўксинмасин, дейман. Қарғасам, тилим куяди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Етимларга хос ҳаёт, етим ҳолати. *Етимликда ўсганми, жуда синиқ йигит кўринади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Дам-бадам пақирдан сув олиб ичади-ю, ўтган кунларини, етимликда чеккан жафоларини.. ўйлайди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЕТИМОНА Етимга ўхшаб, етимлар сингари. *Болалар ҳам, гўё отадан абадий айрилгандек, бошларини етимона буккан эдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ЕТИМПАРВАР [етим + *ф.* پرور — боқувчи, парваришловчи] Етимларга меҳрибонлик, ғамхўрлик қиладиган. *Бечора жуда етимпарвар, одамохун. Уйи тўла хотин-халаж, бола-чақа..* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЕТИМХОНА 1 *тар.* Етимлар ва қаровсиз қолган болаларни тарбиялайдиган ва ўқитадиган муассаса. [*Холмурод*] *Одамлардан етимхона қаердалигини ва у ердаги болаларниг ҳол-аҳволи қандайлигини суриштирмоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *эск. айн.* **интернат.**

ЕТИМЧА Ота-онасиз қолган бола, етим бола, етимвачча. *Саид Жамолхон қизининг рўзғорини «нотинч» қилаётган етимчадан осонгина қутулди: Саломатни эшонга назир қилди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Уни босмачилар отиб ўлдирди. Мана шу кичкина болалар етимча бўлиб қолишди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЕТИШМОВЧИЛИК 1 Камчилик, нуқсон. *Ишдаги камчилик, етишмовчиликларни тугатмоқ.* ▬ *Шу билан бирга айрим хўжаликларда муайян камчилик ва етишмовчиликлар ҳам мавжуд.* Газетадан.

2 Етишмаслик ҳолати; камчиллик, танқислик. *Айниқса, ўтин-кўмир етишмовчилиги дарҳол сезилиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *«Балки ўз ёлғизлиги, бекорчилигидан зерикиб, бунинг устига рўзғор етишмовчилигидан сиқилиб, хафагазак бўлгандир?» деб ўйлади Камол.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЕТИШМОҚ 1 Етмоқ фл. бирг. н. *Йигитлар ярим соат йўл юриб, гузарга етишди.* Ойбек, Нур қидириб. [*Ширин ва Шакар*] *Гоҳ вақтларда сувсиз чўлларга тушиб, қистаб юрар бир-бирига етишиб.* «Ширин билан Шакар».

2 Етмоқ, эришмоқ. *Мақсадга етишмоқ. Ёр васлига етишмоқ.* ▬ *Мулла Бурҳон Ғиждувон бегига қирқ йил солиқ йиғувчилик қилиб, қоровулбегилик мансабига етишди.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. *Ҳаммага ҳам бераверmайди.. Радиоклубга етти йил қатнаб эришдим бунга..* А. Мухтор, Чинор.

3 Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ. *Деҳқонлар оиласидан кўплаб зиёлилар етишиб чиқди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Вақти етмоқ, келмоқ. *Етишди ҳамон ўқирга замон..* «Муштум».

5 *айн.* **етмоқ**. *Йўлчи ака, бизникида умидга, орзуга тезроқ етишасиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Камчил, меъёрга етмаган ҳолатда бўлмоқ. *Буларнинг бўлимидагина ҳаво етиш-*

магандек қисилиб, хунобгарчиликдан боши чиқмайди одамнинг. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ваҳолонки, бошқа қурилишларда ишчи кучи ҳам, механизм ҳам етишмайди.* «Муштум».

ЕТИШТИРМОҚ 1 Етишмоқ фл. орт. н.

2 Тайёрлаб етказмоқ. *Халқим етиштирган ҳосил чўғига баланд тоғлар ҳайрон қолиб турибди.* А. Орипов, Йиллар армони. *Шунча ҳосилни ҳеч қандай вакилсиз етиштирган деҳқон уни усиз ҳам йиғиштириб ололмайдими?* С. Нуров, Нарвон.

ЕТКАЗМОҚ 1 Етмоқ фл. орт. н. *Хабар етказмоқ. Зиён етказмоқ. Саломини етказмоқ. Охирига етказмоқ. Вояга етказмоқ.*

2 Тайёрлаб, етиштириб бермоқ. *Саноатга фидойи шогирдларни кўплаб етказганим билан.. бахтиёрман.* Газетадан. *Қишлоқ механизаторларига арзон, ихчам, пухта ва қулай машиналар етказиб берамиз.* Газетадан.

ЕТМАК I *эск. айн.* **етмоқ.**

ЕТМАК II Чиннигулдошларга мансуб ўтсимон ўсимликнинг кўпикланувчи моддага бой илдизи (тўқимачилик саноати, дори тайёрлаш, қандолатчилик ва ш.к. да қўлланади). *Ўрта Осиёда ўсадиган энг қимматли ўсимликлардан яна бири етмак (бех)дир.* Қ.З.Зокиров, Туркистон етмаги.

ЕТМИШ 70 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Етмиш кун. Етти карра ўн — етмиш. Эр йигитга етмиш ҳунар оз.* Мақол. ▬ *Жами бўлиб бир сўм етмиш тийин ишлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЕТМОҚ 1 Юриб, йўналиб, маълум бир ерга, жойга, манзилга бориб олмоқ. *Ҳайдар ота Кўтармага хуфтондан кейин етди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Эшик олдига етганида, негадир ўзининг ҳам ўша ёққа талпинаётганини сезиб, ҳаяжон ичида тутқични ушлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Қувиб, тенглашиб олмоқ. *Ошиқмаган қуёнга етибди.* Мақол. ▬ *Қистаса ҳам, етолмайди бедовлар.* «Маликаи айёр».

3 Жўнатилган, тарқатилган жойидан, манбаидан наридаги бирор жойга бормоқ (овоза, гап, хат-хабар ва ш. к. ҳақида). *Бу хабар бизгача етиб келди. Бу гап унинг қулоғига етмасин.* ▬ *Ҳай деганда, ҳаққа етгай нолишим.* «Маликаи айёр».

4 Бўй, ҳажм, миқдор, даража жиҳатидан бошқасига тенг бўлмоқ, тенглашмоқ, баробар келмоқ. *Девор ўлгудай баланд-да, бўйи етмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Боракалло, гўшт тўғрашда сенга етадигани йўқ..* К. Яшин, Ҳамза.

5 Таъмин этадиган, кифоя киладиган миқдорда бўлмоқ. *Жой ҳаммага етади. Оз бўлса етар, кўп бўлса кетар.* Мақол. ▬ *Қандоқ қилай, ўртоқжон, бошқа ишларни йиғиштирай десам, ойлик етмайди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Саройдан тушадиган ҳадяларни бир ой тўплаганда, тўрт қадоқ этга етмайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

6 Муваффақ, муяссар бўлмоқ; эришмоқ. *Яхши билан юрдим — етдим муродга, ёмон билан юрдим — қолдим уятга.* Мақол. ▬ *Қани энди, дунёда вафо бўлса, ҳар ким тилагига етса.* А. Қаҳҳор, Шоҳи сўзана.

7 Кифоя қилмоқ. *Онанг бечорага отангдан иккита сағир билан қолиб, кўрган кунлари ҳам етади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қўй энди, ўзимнинг қийналаётганим ҳам етади.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

8 Маълум бир ёшгача яшаб бормоқ, умр кўрмоқ. *Отам саксонга етди.* ▬ *Олтмиш тўрт ёшга етдим, ўғлим-қизим бўлмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Келмоқ; бошланмоқ. *Вақти етди. Куни етди.* ▬ *Кунлар ўтди, ваъданинг муддати етди.* У. Исмоилов, Сайланма.

10 Талаб, меъёр даражасида бўлмоқ. *Қиличнинг ишлови етган, Теккан омон қолмасин деб, Заҳарнинг сувини ялатган.* «Маликаи айёр».

11 *кўм. фл. взф.* Етакчи феълдаги ҳаракатнинг охиригача, тугал бажарилиши маъносини билдиради. *Йўқ, ҳали англаб етганингизча йўқ.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Отаонасига ўз сўзини ўтказишга Саидий ишониб етмади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Ақли етмоқ *қ.* **ақл**. **Бошига етмоқ** *қ.* **бош**. **Боши кўкка** (*ёки* **осмонга**) **етмоқ** *қ.* **бош. Бўйи(га) етмоқ** *қ.* **бўй**. **Кўзи етмоқ** *қ.* **кўз**. **Нима етсин** Ҳеч нарса тенг келолмайдиган иш, нарса ва ш. к. ҳақида айтиладиган ибора. *Эҳе, китоб ўқишга нима етсин.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Оғзи қулоғига етди** *қ.* **оғиз. Пичоқ суякка етди** *қ.* **суяк. Тагига етмоқ** *қ.* **таг. Қўли етмоқ** *қ.* **қўл.**

ЕТОВ Жиловидан тутиб эргаштирилган, етакланган, етакдаги. *Етовдаги отни танимаган одам оз эди.* Ойбек, Навоий.

ЕТТИ 1 7 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Етти киши. Етти*

сўм. Етти метр. Етти меҳнат куни. Етти ўлчаб, бир кес. Мақол. *Ёмондан қоровул қўйсанг, ёв етти бўлар.* Мақол.

2 *этн.* Вафотнинг тўртинчи куни ўтказиладиган маросим, маърака. *Кеча, одатга мувофиқ, нари-бери етти қилинди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Айрим сўзлар билан қўлланиб, маънони кучайтириш учун хизмат қилади. *Етти ухлаб тушимга кирмаган. Етти қовун пишиғи бор.* ▬ *Муллажон амаки етти маҳалланинг катта устаси.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *«Боланинг кўнглига қараб расво қиляпсизлар, етти хуфтонга қадар юришга чакки ўрганди.* Ойдин. *Номи етти қишлоққа кетган Бувниса хоним-а!* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Етти букилмоқ Ортиқ даражада иззат-ҳурмат қилмоқ, ўта сиғинмоқ. **Етти ёт бегона** *қ.* **ёт 1. Етти иқлим** *қ.* **иқлим. Етти оғайни** Яққол кўриниб турадиган, чўмичсимон ўрнашган, етти юлдуздан иборат шимолий бурж (юлдузлар туркуми); Етти қароқчи, Катта айиқ. **Етти пушт** *қ.* **пушт 2. Етти хуфтонгача** *қ.* **хуфтон 2. Кичик етти оғайни** Қутбга яқин, чўмичсимон жойлашган, етти юлдуздан иборат шимолий бурж (юлдузлар туркуми); Кичик етти қароқчи, Кичик айиқ.

ЕТТИЛИК 1 Етти нарса ёки кишидан иборат. *Еттилик комиссия.*

2 Еттита холи бўлган карта. *Еттилик ғиштин.*

ЕТУК 1 Жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган. *Тирқишдан мўраладим: Йўлчи, ҳам етук бир қиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қирқ ҳадегунча ўтиб ҳам кетди, Ўғлингнинг кўрсайдинг етук камолин.* Ғ. Ғулом.

2 Илм, ҳунар, тажриба ва б. жиҳатлардан пишиб етган, етарли малакага эга, баркамол. *Етук олим. Етук мутахассис. Етук санъаткор.* ▬ *Бизда етук адабиёт муаллимлари борлигига ишонамиз.* Газетадан. *Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни, Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ.* А. Орипов, Йиллар армони. *Буюк, етук одамлар камтар, камсуқум.. бўлишини бу доно қиз яхши биларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Талаб, меъёр жиҳатидан мукаммал даражага эга, юқори савияли. *Етук бадиий асар.* ▬ *Лутфий ғазаллари асосида яратилган мусамматлар Навоий томонидан Лутфийнинг юксак шоирлик иқтидорининг, етук бадиий маҳоратининг сўзсиз тан олинганлигига ишончли далилдир.* «ЎТА».

ЕТУКЛИК Етук эканлик, етук даражага эгалик. *Бу қийин, лекин ҳаётий зарур иш, сиёсий етукликка жиддий имтиҳондир.* Газетадан. *Маълум бир эпизодни баён қилишда авторнинг бадиий маҳорати, етуклиги.. сезилиб туради.* «ЎТА».

ЕФРЕЙТОР [*нем.* Gefreiter – ефрейтор] Баъзи мамлакатларда, мас., Россияда, оддий аскарга бериладиган бошланғич ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

ЕЧИЛМОҚ 1 Ечмоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Унинг калта сочлари ҳадеб ечилиб кетаверарди.* ▬ *Ҳисоб-китоб бор ерда ечилмайдиган чигил йўқ.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Ҳасанали учун биринчидан англашилмай қолган маънолар бу кейинги гап билан ечилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма с.т.* Кўнгли-дили очилмоқ, ёзилмоқ. *-Раймжоннинг ҳалитдан яна қочиш пайига тушганини кўриб куляпсанми?! – деб кулди.. Хипча йигит ҳам ечилиб кулди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

3 *кўчма с. т.* Ҳиммати ошиб, ортиқ саҳийлик қилмоқ. *Ҳаловатхон ечилиб кетиб, зиёфат дастурхонини тўкин қилиб тузади.. ҳозиргина кириб келган дадасини очилиб-сочилиб дастурхонга ўтқазди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЕЧИМ 1 Ечиш; ечилиш. *Боғлашда курмак солсанг, осон бўлар ечими. Бир ногаҳон гуноҳнинг осон бўлар кечими.* «Қўшиқлар».

2 Масала, муаммо ва ш. к. нинг жавоби. *Масаланинг ечими.* ▬ *Менинг одатим, ҳамма ишни, чигални олдиндан обдан ўйлаб, ечимини кўзимнинг олдига келтириб оламан.* Р. Раҳмон, Сизнинг ёшингизга кирайлик.

3 *ад.* Асарда воқеалар ривожидаги, қаҳрамонлар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг ҳал бўлиши, тамомланиши. *Романнинг ечими.* ▬ *Зотан, ҳар бир асарнинг тугуни билан бирга ечими ҳам бор-ку*! Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЕЧИНМОҚ Ечмоқ 3 фл. ўзл. н. *Муҳаррам ечинаётиб, каравот тепасидаги суратларга беихтиёр кўз ташлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЕЧИНТИРМОҚ 1 Ечинмоқ фл. орт. н. *[Ҳасанали] Отабекни ечинтирар экан, ризосиз бир оҳангда деди: - Ўғлим, сизга шу шайтоний*

ишнинг нима зарурати бор! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Йўлтўсарлик билан бировнинг кийим-кечагини зўрлаб ечиб олмоқ; тўнамоқ.

ЕЧИҚ Боғланмаган, ечилган, боғдан бўшатилган. *Ечиқ мол. Ечиқ қоп.* ▬ *Қўл-оёқлари ечиқ бандилар боғланиб, қўрага қамалдилар.* С. Айний, Қуллар. *Бўйни боғлиқ ҳам эмас, ечиқ ҳам эмас: қамоқ бўлмаса ҳам, қамоққа ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЕЧМОҚ 1 Боғичини, боғини ёзмоқ, бўшатмоқ. *Белбоғни ечмоқ.* ▬ *Чий эшикнинг боғичини ечиб кўтарганида, инграш яна эшитилди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳоким формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елпинишга тутинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўримини ёзмоқ, хомитмоқ. *У* [*Кумуш*] *бу кечаси кўрган баъзи тушларини Отабекнинг бу кун келишига йўйди-да, эрталабдан туриб, сочларини ечди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Кийилган кийимни жойидан, эгнидан олмоқ. *Тўнни ечмоқ. Кўйлакни ечмоқ. Этикни ечмоқ.* ▬ *Малла киши янги бузи кавушини даҳлизда ечиб, чап ёқдаги каттакон хонага кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўприк устида баланд пошнали туфлисини ечиб олган бир аёл машинага қўл кўтарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Насиба унинг носкисини еча бошлади,* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 Қўйилган, солинган, боғланган нарсани олмоқ, ундан холи қилмоқ, бўшатмоқ. *Учинчи аравага ортиб олинган бедадан ташлаб, эгар-жабдуқларини, юганларини ечиб қўйишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Салдан кейин эшакдай келадиган икки итини ечиб юборди.* С. Сиёев, Аваз.

5 Математик мисол, масала кабиларни ишламоқ, ечими (жавоби)ни топмоқ, белгиламоқ. *..икки бола: бири қиз, бири йигитча.. масала ечиш билан овора..* А. Мухтор, Чинор.

6 *кўчма* Маъносини очиб бермоқ, ечимини белгиламоқ; ҳал қилмоқ. *Шайбонийхон бу тугунни ҳам султон ва аъёнларга ёқадиган бир усталик билан ечганидан кўпчилик мамнун эди.* П.Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу муаммони кекса бир жангчи ечиб берди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Аммо қанчалик мушкул иш бўлмасин, жумбоқни ечамиз.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЕЧТИРМОҚ Ечмоқ фл. орт. н. *Сочларимни ечтирай кўклам елига Ҳам уни мен ювдирай тошқин селига.* «Қўшиқлар».

ЕШМОҚ *с.т.* Ечмоқ.



Ё I [*а.* ى ҳарфи] Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида «и» ва «й» товушларини ифодаловчи ҳарфнинг номи.

Ё II *эск. айн.* **ёй** I **2.** *Мунчалик ғам, мунчалик мунгни Битта жоним қайга жо қилар? Шунчаликда банданинг кўнгли, Қачонгача қаддин ё қилар?* У. Носир, Юрак.

Ё III [*а.* يا – ундов] **1** *унд.* Хитобни билдирувчи ундалма, сўзлар олдидан келиб, кучли ҳис-ҳаяжон билдиради. *Парпихўжа ёғчи ичкари ҳовлидан чиқиб, «Ё олло! Ё қозиул-ҳожат! Яккасан, ягонасан!» каби сўзларни аралаштириб, ҳовлида юра бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ё амирал-муслимин, тағин кўзингизга зарар етказмасин.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

2 Қойил қолиш, ажабланиш маъноларини билдиради. *-Ё қудратингдан! – деди Туробжон, келтирган нарсаларини титкилаб.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Раҳбар деган ҳам шунақа кўпол бўладими? Ё тавба!..* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ё пирим 1) ажабланишни ифодалайди; 2) пирга сиғинишни, ундан мадад тилашни ифодалайди. *-Ё, пирим! – деб юкни елкасига олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ё IV [*ф.* يا – боғловчи] *боғл.* **1** *айр.* Тенг ҳуқуқли икки гап ёки айрим гап бўлаги олдида такрор келиб, фикрнинг қиёсланувчи бўлаклардан бирига тааллуқли эканлигини билдиради. *Иллат ё ошда, ё мошда.* Матал. ▬ *У ё уялиб, ё қўрқиб, остонада турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қаердадир биров ё симга қоқилди, ё уни бир нима қилаётир.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *айр.* Гап ёки айрим гап бўлаклари олдида такрор келиб, уларни санаб кўрсатиш, умумлаштириш учун қўлланади. [*Бувим:*] *Ким бўлмагин бу кун сен: ишчими, ё токарми, ё колхозчи, ё уста – ҳамма ҳам бир текисда.* Қ. Муҳаммадий.

3 *зидл.* Сўроқ гап олдида келиб, унинг ўзидан аввалги гап маъносига нисбатан зид эканлигини билдиради. [*Жонфиғон:*] *Шу гап гап бўлдими, ё тағин жиннилиги тутармикин?* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. [*Ойимхон:*] *Сен ўйнамасанг, ким ўйнайди. Ё қариган чоғимда мен ўйнайми!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁБИ [*ф.* يابو – юк ташувчи, насли паст от] *фольк.* Насли паст, хашаки от. *Бу сўзларинг, Айноқ, бекор экандир. Ёби дема, шу от тулпор экандир.* «Равшан».

ЁБОН *шв.* Дала, дашт. *Куз оқшоми тўшалар сокин, пичан ҳиди анқир ёбондан.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Замбараклар ёбонда бекор гумбурлаган йўқ, Бекор оқмади қонлар.. ва ўлди мардоналар.* Миртемир.

ЁБУ Ўзбек уруғларидан бирининг номи.

ЁВ 1 Уруш, жанг ҳолатидаги қарши томон, душман, ғаним. *Ёв қочса, ботир кўпаяр.* Мақол. *Ёвни аяган яра ер, калтагини сара ер.* Мақол. ▬ *Бир соат чамаси отишгандан сўнг, ёв бизнинг ўқимизга чидолмай, икки дарвоза орасида уч-тўрт юз ўлик қолдириб, қочишга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қарама-қарши мақсаддаги киши; душман, рақиб. *Ёмон йўлдош ёв бўлади, охир иши дов бўлади.* Мақол. ▬ *Қимор қизиб, ҳар кимса бир-бирига ёв.* Ғайратий.

Ёв ейдими Нимадан қўрқасан, қўрқма. **Ёв чопди** Душман бостириб кириб, қирғин қилди. *Бобоқулнинг еттинчи отаси, қишлоққа ёв чопганда, Оқсой кўпригининг остига бекиниб, жонини асраб қолган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. **Ёв қараш** Жаҳл билан, ғазаб билан қараш. *Эшон Дадашевга ёв қараш қилиб, эшикни тарақлатиб чиқиб кетди.* И. Раҳим, Тақдир. **Ёв қувгандай** Жуда тез, чопиб, югуриб. [*Тўғонбек*] *Худди ёв қувгандай, қаттиқ юрди.* Ойбек, Навоий. *Одамлар, ёв қувгандай, ҳар тарафга тарқалишди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Тилсиз ёв** Ўт, сув (халқ тилида). *Тилсиз ёв бизнинг меҳнатларни зое кетказмоқчи.* У. Исмоилов, Сайланма.

ЁВАР [*ф.* یاور – ёрдамчи, мададкор] *эск. кт.* Ёрдам берувчи, ёрдамчи. *Энди ёру ёварин ҳажрига тоқат қилғали Ўзгалардек кўнглум ичра қайда бир бардош эрур.* С. Хондайлиқий, Навбаҳор.

ЁВВОЙИ 1 Хонакилашмаган, табиат қучоғида эркин ҳаёт кечирувчи (ҳайвон, паррандалар ҳақида). *Ёввойи мушук. Ёввойи каптар. Ёввойи эчки.*

2 Маданийлаштирилмаган, ўз ҳолича, табиий ҳолатда ўсадиган; зарарли, зиён келтирувчи. *Ёввойи олма.* ▬ *Хилма-хил ёввойи гуллар теварагида ранг-баранг капалаклар базм қуради, асаларилар ғувиллайди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Сидиқжон каттакон ёввойи жийда тагида тўхтаб, Шарофатни кутди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дарҳақиқат, салгина хотиржам бўлдингми, ёввойи ўтлар ўсиб кетади-ю, ғўзаларни сиқиб ташлайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Ўзлаштирилмаган, ишланмаган (ер-жой ҳақида). *Илгари бу ерлар ҳам жарликлар, ёввойи сайҳонликлардан иборат эди.* Газетадан. *Ёввойи чўл буюк кенгликда Менга борин очиб ташлади.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

4 Қўрқинчли, ваҳимали, даҳшатли. *Ёввойи овоз.* ▬ *Бўрон ёввойи бир куч билан ўкирарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Шариф тарранинг ёввойи чинқириғини эшитгандек бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

5 Маданиятнинг ибтидоий босқичига хос; қолоқ. *Саҳрода арабларнинг бадавий деган ёввойи тоифаси бор экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 *кўчма* Одамга аралашмайдиган; бегона, одамови, ёт. *Одамлардан қочаман, Ёввойи бир ҳолим бор!* Миртемир.

Ёввойи қараш қилмоқ Жаҳл билан қарамоқ. *Тўранинг ниҳоятда кайфи қочди, жаҳл отига миниб, оқсоқол билан имомни еб қўйгудек, ёввойи қараш қилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. [*Умайдер*] *Умидага олайиб, ёввойи қараш қилади-да, тескари ўгирилиб олади, термометрни бармоқ орасида синдириб, қўлига беради.* А. Мухтор, Чинор.

ЁВВОЙИЛАШМОҚ 1 Ёввойи бўла бормоқ, ёввойи бўлиб кетмоқ. *Ёввойилашган ит.* ▬ *Тоғ мушуклари ёввойилашиб кетган, одамга яқин келмасди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Одамлардан узоқлашиб, бегоналашиб бормоқ. *Мен ҳам ёввойилашиб, жуда тўнг, қўпол бўлиб кетаётганимни ич-ичимдан ҳис қиламан.* «Ёшлик».

3 Бегона ўтлар билан қопланмоқ. *Аёллар ва болалар ихтиёрида қолган экинзорлар чуқур, яхши ишланмаганидан, ёввойилашиб, ҳаммаёқни шўра, ғумай, сувўт, тикан босиб кетган.* С. Нуров, Нарвон.

ЁВВОЙИЛИК 1 Инсон қўлига ўрганмаганлик, табиий ҳолатда бўлишлик.

2 *кўчма* Ибтидоий ҳолат, ваҳшийлик.

3 Одамга қўшилмаслик; одамовилик; бегоналик. *Ким айтади буни оғир қиз деб, олов-ку! Тўғри, сал ёввойироқлиги бор. Аммо ўзим тарбиялаб оламан* [*деди ўзича Тўлқин*]. Ф. Мусажон, Ҳури.

ЁВВОШ *шв.* Ювош; оҳиста, итоаткорона. *Айби нимадалигини англамаган от жонивор, чиройли сариқ бошини ёввошгина чўзиб, чол кетидан эргашди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Ёввош тортмоқ Тинч, осуда, сабр-тоқатли, ҳалим бўлмоқ. *Кумуш ўз хатида ёзгандек, дарҳақиқат, Зайнаб шу кейинги кунларда ёввош тортган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қўйдек ёввош** Бировга халақит бермайдиган, табиатан беозор. *Баъзилар* [*Орифовни*] *қўйдек ёввош, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди, деб мақтаб қўйишади.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин.

ЁВВОШЛАНМОҚ Тинчланмоқ, осуда бўлмоқ. *Нориннинг ҳайқириғи бўшамайди. Аммо, ҳадемай, ўз сувининг бир қисмини каналга беради, балки шунда ёввошланар.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ЁВГАРЧИЛИК *фольк.* **1** Жанг, уруш ҳолати. *-Нега уйингда беғам ётибсан, устимизда шунча ёвгарчилик бор, — деди Оқбўта.* «Ойсулув». *Ёвгарчилик бўлди энди, ёронлар, Ғайрат қилинг, Чамбилга ёв йўлатманг.* «Гўрўғли».

2 Душманлик, ғанимлик, ўзаро адоватда бўлишлик. *Душман қурсин, бари жонин сотибди, Ёвгарчилик ёмон экан дунёда.* «Ҳасанхон».

ЁВ-ЁВ *с. т.* Ёв ҳужуми, уруш, жанг. *Ёв-ёв бўлди.* ▬ *Қадимги замонда ёв-ёв бўларкан. Юртни бирдан ёв босиб келар экан-да, ҳамманинг иши ишда, оши ошда қолиб, жанг майдонига қараб югурар экан.* Ойдин, Ўн беш газли арқон.

ЁВЛАМОҚ *фольк.* Ҳужум қилмоқ, бостириб бормоқ. *Душман кўрсанг, издан қўймай қувлагин, сағир кўрсанг, анинг кўнглин овлагин, Қарши душманнинг юртига ёвлагин, Элингга эл қўшиб юргин, Эрали.* «Эрали ва Шерали». *Одилхон подшоҳ Қовуштирхоннинг юртига ёвлаб борди ва уни ўлдирди.* «Гўрўғли».

ЁВЛИК *айн.* **ёвгарчилик 1**. *Хоразмга ингиранган эр эди, Ёвлик куни Рустамдайин зўр эди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЁВМУТ 1 Туркий ва туркман уруғларидан бирининг номи. *Отим Аваз, айтадиган арзим бор, Арзимга қулоқ сол, ёвмут сардори.* «Хушкелди». *У [Ойнагул] ҳам ёвмут қизи.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Ёвмутларга хос, ёвмутларга оид. *Ёвмут қалпоқ кийиб, жазойир қилич таққан, кўзига қон тўлган карвонбоши даставвал Сариқни отиб ўлдирди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ЁВОН *қ.* **ёбон.** *Қоқо ёвонида ўз арпасини ўриб янчган Ҳайдар энди уни совураётган эди.* С. Айний, Қуллар. *Борай, онам ёвондан келгунларича, овқат пишириб қўйишим керак [деди қиз].* Н. Қиличев, Ёронгул.

2 *шв.* Қишлоқ; дала. *Матчон тўра ёвон ҳовлисига кирмасдан, шаҳар ҳовлисига от солди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЁВУЗ 1 Ўтакетган йиртқич; ашаддий. *Энди ёвуз аждар бизларни ютар.* «Нигор ва Замон». *Қиличдан ўтказамиз, от қўйиб, ёвуз ёвни.* Ҳабибий, Девон.

2 *кўчма* Душман, ёв. *Элмурод ҳайрон бўлиб сўради: -И-й-е. Ҳали сизни биров ўлдирмоқчи ҳам бўлганми? Қандай ёвуз экан у?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Етиб келди ёвузлар, Одамларни осдилар.* Уйғун.

Ёвуз ният Ёмон мақсад. *Ким билади, уларнинг юрагида қандай ёвуз ниятлари бор.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Душман ёвуз ниятига ета олмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЁВУЗЛАРЧА *рвш.* Ёвузларга ўхшаб, йиртқичларча. *Ёвузларча қийнамоқ.*

ЁВУЗЛАШМОҚ Ёвузга хос хатти-ҳаракат қилмоқ. *Тўғри, душманлар камайиб қолган, бироқ улар баттар ёвузлашган.* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

ЁВУЗЛИК Ёвузларга хос хатти-ҳаракат, хунрезлик, жоҳиллик. *Бу ёвузлик уларни ҳатто одам қиёфасидан чиқарган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *У [Алексей] Ойимхонга тикилиб, Тожибойга савол берди: «Сиз унинг илгари ким бўлганини, халққа қарши қандай ёвузликлар қилганини билармидингиз?»* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁВУҚ *эск. айн.* **яқин**. *Ёвуқ қариндош.* ▬ *Бу вақтда ёвуқдан милтиқ овози эшитилиб, унинг тутуни бандилар ва соқчиларни қоплаб олди.* С. Айний, Қуллар. *Булдуруқ ҳам тувалоқ, Суқсур, оққув, тустовуқ, Сайранглар менга ёвуқ.* Миртемир.

ЁВУҚЛАШМОҚ Яқин келмоқ, яқинлашмоқ. *-Ахийлар [бирoдарлар], келинг энди, барчанинг хаёлини машғул этган ишлар борасида, яъни кун сайин ёвуқлашиб келаётган ғанимни даф этмоқ чоралари тўғрисида сўйлашиб олайик, — деди оқсоқол.* М. Осим, Ўтрор. *Жоме масжидини айланиб, жинкўчалар оралаб, Паҳлавон Маҳмуд қабрига ёвуқлашди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁВЧИ *шв.* Совчи. *Урганч келиб, ошиқ бўлдим қизингга, Ёвчи қўйиб, минг от бердим ўзингга.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЁВЧИЛИК *шв.* Совчилик. *Аҳмадбек бойга қараб айтди: -Биз ёвчиликка келдик.* «Бўтакўз».

ЁВШАН Мураккабгуллиларга мансуб, ем-хашак бўладиган кўп йиллик ўсимлик. *Купега иссиқ шамол ёвшан.. қовжираган майсалар ҳидини олиб кирди.* С. Нуров, Нарвон. *Асрлар бўйи янтоғу ёвшандан бўлак экин ўсмаган дала тўшида зумрад ғўза ниҳоллари тизилди, борлиқ гул-гул яшнади.* Ш. Ғуломов, Бўз ерлик бўз йигитлар.

ЁВШАНЗОР Ёвшан билан қопланган майдон. *Насриддинов ғизиллаб чекинаётган қовжироқ ёвшанзорга тикилиб, яна Зумрадни эслади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЁВ-ЯРОҚ *фольк.* Қурол-аслаҳа, қуроллар. *Узоқдан ёв-яроқ таққан кишиларнинг қораси кўриниб қолди.* «Ёдгор». *Ёв-яроқни, отанжомни шайланглар, Имтиҳон кун хонга қўйинг даракни.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЁВҚУР Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган; жасур, ботир, мард. *Зуннун Арғун телбароқ, лекин ажойиб қиличбоз, баҳодир, ёвқур бек эди.* Ойбек, Навоий. *Бир вақтлар сизни ёвқур йигит ҳисоблаб, бир адашгандим, мана энди иккинчи бор адашяпман* [*деди профессор*]. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЁВҚУРЛИК Ботирлик, мардлик, жасурлик. *Жангчиларимизнинг ёвқурлиги.*

ЁВҒОН Гўштсиз, зираворларсиз суюқ овқат; фақирона суюқ ош. *Миннатли паловдан миннатсиз ёвғон яхши.* Мақол. ▬ *Кечқурун уч-тўрт қошиқ ёвғон ичган, туни билан укол, дори олиб турган бемор тонгга яқин ниҳоят ухлаб қолди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Ёт агар қўй сўйса ҳам йўлингга, Собир, бормаким, Дўст ила суҳбатни туз ёвғону ардоби(нг) билан.* С. Абдулла. *Ойим ўчоқбошига бориб, олов ёқади, озгина пиёздоғ қилиб, ёвғон мошхўрдасига урина бошлайди.* Ойбек, Болалик.

ЁВҒОНСИРАМОҚ Оч қолмоқ, очиқиб қолмоқ. *Шўрвага йиқилинг, домла, иззатталаб бўлиб, ўзи чақиришини кутиб юрсангиз, ёвғонсираб ўласиз.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бечора қушлар жуда ҳам ёвғонсираб кетди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЁД [*ф.* ياد – хотира] Хотира, эс; хотирада, эсда сақлаш; эслаш. *Ёдга олмоқ. Ёдимга тушди.* ▬ *Мана шу юришимизнинг ҳар бир қадами, сиздан эшитган гапларимнинг ҳар бир сўзи менинг ёдимда абадий қолади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сени кўрдим, ёдимга тушди Ёшлигимда кўрган бир жувон.* Уйғун. [*Йўлчи*] *Гулнорнинг ёди, қайғуси билан атрофда тентираш учун кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ёд(дан) билмоқ Аввал ўқиб, эшитиб олиб, хатга, ёзувга қарамасдан эсга келтирмоқ. *Бобур араб, форс тилларини яхши ўрганган, қуръон сураларининг кўпини ёд билар, маъносини ҳам тушунар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Ёд олмоқ (***ёки* **қилмоқ)** *айн.* **ёдламоқ. Ёддан чиқармоқ** Эсдан чиқармоқ. *Элмурод хайрлашувни ҳам ёддан чиқариб, қозиқдан панамани олганича, қисмга чопди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Ёдига тушмоқ (***ёки* **келмоқ)** Эсига, хотирасига келмоқ, тушмоқ; кўз олдида гавдаланмоқ. *Васила Назаровна Дилфузани кўрди-ю, беихтиёр ўз қизининг қилмиши яна ёдига тушди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шу пайт, қайси кунидир айни шу дамни тушида кўргани ёдига келди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ЁДАКАЙ *с.т.* Ёдаки.

ЁДАКАСИГА *с.т.* Ёдаки.

ЁДАКИ [*ф.* يادكى] *рвш.* Хатга қарамасдан, ёддан. *Шеърни ёдаки ўқимоқ.* ▬ *Дафтарнинг варақлари жузидан чиқиб кетган, йиртилиб тушган, бошқа бирон жойда лекция ўқилганда чалкашган бўлса керак, лектор лекциянинг бош-кетини тополмай, хийла овора бўлди, бу орада ёдаки яна икки марта «Ўртоқлар!» деди.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон. *Кейин хон, Авазнинг бир байтини ёдаки айтди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁДГОР [*ф.* يادگار – хотира; совға, эсдалик] **1** Бирор шахс ёки воқеа-ҳодисани эслатиб турувчи нарса, нишона, эсдалик. *Унсин онасидан ёдгор қолган ва ягона зийнати бўлган юпқагина эски кумуш билагузукни айлантириб гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Марҳума онасининг ёдгорлари бўлган бу уч болани бегоналар қўлида хор қилиб қўйишни Нодира истамаса ҳам, эрининг фақирлиги бунга моне эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Эсдалик учун бериладиган нарса; совға, ҳадя. *Мен нимани айлайин ёдгор – бошим қотди.. қисилди нафас.* Ё. Мирзо.

3 Ёдгор (эркак ва хотин-қизлар исми).

ЁДГОРЛИК 1 Эсдалик, эслаб юриладиган нарса; совға. -*Мендан ёдгорлик бўлсин, Меъмор, – деди Чўли бобо, – ҳозир кун иссиқ, совуқ кунларда кийиб юрасиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бирор шахс ёки воқеа хотираси учун тикланган ҳайкал, бюст. *Мозорнинг ўрнига номаълум солдатларга ёдгорлик қўйиладиган бўлиняпти* [*деди Ҳасан ака*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Саидусмон қишлоғида.. қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Ёдгор бўладиган, эсдалик сифатида сақланадиган нарса; меъморий обида. *Бирикки кун Самарқанд шаҳрини айланиб, эски ёдгорликларни хўп томоша қилдим, сўнгра Бухорога жўнаб кетдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

4 Қадимги ёзма манба, қўлёзма. *Бу сўз қадимги ёдгорликлар тилида «тўрқу» шаклида келиб, ипак, ипак газлама деган маъноларда ишлатилган.* «ЎТА».

ЁДЛАМОҚ 1 Эсга олмоқ, хотирламоқ; кўз олдига келтирмоқ. *Йўлчини ёдларкан, унинг* [*Нурининг*] *юрагида энди ғазаб қўзғалар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулсин куйлади: Ўртоқларим, қўлга олсам торимни, Беихтиёр ёдлайдирман ёримни.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Хотирага келтирмоқ; хотирада, эсда сақлаб қолмоқ; такрорламоқ. *Меъмор умри давомида йиққан қимматли сўзларни шилдироқ қоғозга ёзиб қўйган бўлиб, уларни доимо ўқиб, ёдлаб юрарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЁДНОМА 1 Марҳумни эслашга бағишланган мақола. *Газетада рассом Чингиз Аҳмаров ҳақида ёднома босилди.*

2 Ёзма ёдгорлик. *Бу сўз [абушқа] қадимги ёдномаларда қари киши, эр, чол маъноларида қўлланган.* «ЎТА».

ЁЗ 1 Йилнинг баҳор билан куз орасидаги энг иссиқ фасли. *Лайлак келди — ёз бўлди. Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам, қиши битмас.* Мақол. ▬ *Ёз кечасининг ёқимли салқини. Кўкда дарахтлар устида ғуж-ғуж юлдузлар ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Куз келди-ю, кетди ёз: гул, майса ўт сарғайди.* Ҳ. Пўлат. *Қирқинчи йилнинг ёз палласи эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *кўчма* Умрнинг энг гуллаган, ёшлик даври. *Ёзим ўтди, чиройингизга тўймай асло бу қувноқ кўнгил.* Ғайратий.

Ёз бўйи Ёз давомида, бутун ёз. *Ёз бўйи уч-тўрт гал ер этагидан, "Ҳорманглар-у", қичқириб ўтиб кетганман.* Ғ. Ғулом. *Хазина ер, зилол сув, Ёз бўйи сахий қуёш.* Ғайратий.

Кўнгли ёз бўлмоқ Ортиқ севиниб, баҳридили очилмоқ. *Назир отанинг кўнгли ёз бўлиб кетди.* Ў. Умарбеков, Чарос.

ЁЗГИ 1 Ёзга оид, ёзда бўладиган; ёздаги. *Ёзги ёмғир. Ёзги тун. Ёзги иссиқ. Ёзги меҳнат — қишки роҳат.* Мақол. ▬ *Баҳор кезларида майсаларга ястаниб, дарахт тагларида бирга дарс тайёрлаганимиз, ёзги каникулда тоғларга саёҳат қилганимиз менинг эсимдан чиқмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёз учун мўлжалланган, ёзга мос; ёзлик. *Ёзги кинотеатр.* ▬ *Қурбон ота елиб-югуриб, сал кунда қишки ва ёзги чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЁЗДИРМОҚ Ёзмоқ III **1** фл. орт. н. *Ақлдан ёздирмоқ. Тўғри йўлдан ёздирмоқ.*

ЁЗИЛМОҚ I **1 Ёзмоқ** I **1**, **2**, **3** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Дастурхон ёзилиб, тушлик чой келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Оёғинг.. йўлга тушсак, ёзилиб кетади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Гулсапсар, жамбилларинг ёзилган қат-қат.* Ғайратий. *Кун ботиш томондан осмонга пушти қизил шуъла ёзилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Хурсанд бўлмоқ, кайфияти кўтарилмоқ; чарчоқни тарқатмоқ, ташвишни йўқотмоқ, яйрамоқ. *Онанинг гина-кудурати саратон ёмғиридек тез ўтиб бўлган эди. У ёзилиб, қизи билан овқатланди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ашур Мирзо қизининг отини эшитиш билан ёзилиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Энди бир шаҳарга тушиб, уч-тўрт кун ёзилиб келсам.. жуда-жуда сиқилиб кетдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Бемалол ўтирмоқ, ўзини эркин тутмоқ. [*Меҳри:*] *Диссертация ҳам бор бўлсин. Келганига ярим ойдан ошди-ю, ёзилибгина бир дам олмабди!* О. Ёқубов, Пьесалар. *Бемалолроқ ёзилиб ўтиринг! Зап кўчиб келдингиз-да! Сизни зериктирмаймиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 Таҳорат олмоқ, бўшалмоқ. *Отамурод ёзилиб келиб, бир ҳафтадан бери биринчи марта пақирдаги қудуқ сувидан соқол босиб кетган юзини пишиб-пишиб ювиб, бир маза қилди.* М. Мансуров, Ёмби.

Кўнгли (*ёки* **юраги) ёзилмоқ** Кайфияти яхши бўлмоқ. -*Икки оғиз гаплашса, ақалли ўзини кўрса ҳам, кўнгли ёзилади-ку, — деди Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой. *Юрагинг ёзилсин, деб томошага олиб келяпман* [*деди Отамирза*]. Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин.

ЁЗИЛМОҚ II **1 Ёзмоқ** II фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Хат ёзилди. Ҳикоя ёзилди.* ▬ *Анвар қўлидаги ёзилган қоғозни қўйиб, иккинчи оқ қоғозни олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шогирд адреслар ёзиладиган дафтарга имо қилди.* Т. Ашуров, Оқ от.

2 Аталмоқ, бағишланмоқ. -*Шеър бизга ёзилмай, кимга ёзилган бўлсин ахир, — деди Жўрахон.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. -*Мана шу ашула сиз учун ёзилган.. — Алимардоннинг овози негадир титраб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Аъзо бўлмоқ, қўшилмоқ. *Бўтабой партизан отрядига кўнгилли бўлиб ёзилди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Инобат таваккал қилиб, берухсат ёзилиб келаверсинми механизаторликка? Йўқ, бу онанинг раъйига қарши бориш-ку!* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бир эмас, ўн балоси бўлса-да, мен ширкатга ёзилмоқчиман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Баён қилинмоқ, ифодаланмоқ. *Мақола оммабоп, равон ва содда тилда ёзилган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Пешонасига ёзилган Тақдирида бор. *У* [*Йўлчи*] *ҳали ҳам камбағал "бегона" қизни ёдлар, ҳали ҳам унинг бошини «У кимнинг қизи? Уни яна бир кўриш пешонамга ёзилганмикан?» каби саволлар банд қилган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁЗИН-ҚИШИН *рвш.* Йил бўйи; йилнинг тўрт фасли давомида. *Ширкат меҳнат аҳлини сабзавот билан ёзин-қишин таъминлашга алоҳида эътибор беряпти.* Газетадан.

ЁЗИШМА Ўзаро ёзилган хатлар, ёзма алоқа. *Идоралар ўртасидаги ёзишма.* ▬ *Ёзишмалар узоққа бормади. Собиржон.. урушга жўнаб кетди.* Газетадан. *Хитой тарихчиси Си-Ма-Сяннинг «Тарихий ёзишмалар» номли китобида хитойлик Чжан Цянь келтирган далил бор.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ЁЗИШМАБОЗЛИК Турли хил хатлар ёзиш билан банд бўлишлик. *Қоғозбозликни камайтирмоқ, одамларни бошқармаларнинг турли аппаратларида бюрократларча ёзишмабозлик билан банд қилиб қўймаслик керак.* Газетадан.

ЁЗИҚ I *эск. айн.* **гуноҳ**. "*Ажалингнинг етиши қилган ёзиғингдан эмас, бек аканнинг қонсираши!" деган гап* [*Ҳасаналининг*] *кўнглига тушар эди-да, беихтиёр уфлаб юборар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёзиғим не? Ўзимдай бир ғарибани яхши кўрганимми?* [*деди Матпано*]. «Ёшлик». *Бизнинг худога нима ёзиғимиз бор экан.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ЁЗИҚ II **1** Ёйилган, очилган, тўшалган. *Ёзиқ палос. Ёзиқ чойшаб.* ▬ *-Дадажон! — дея қувноқ қичқириб Онабиби қарши чиқди: унинг сочлари ёзиқ, қўллари қурум эди.* А. Мухтор, Чинор.

2 Кенг, энли. *Келиб кўрдим: кенгиш, ёзиқ кўчалар, Кундуздай равшандир юрсак кечалар.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Равшанхон сўзлайди алвон-алвон, яғрини ёзиқ полвон, юзлари олмадай пишган, кўрганнинг ақли шошган.* «Равшан».

3 *айн.* **ёйиқ 3**. *Ёзиқ ликопча. Ёзиқ сават.*

ЁЗИҚЛИ I Тўшаб қўйилган, ёзилган. *Ерга ёзиқли шоҳи гилам, тахмондаги кўрпа-кўрпачалар.. унинг кўзларига кўриниб кетаётгандай бўлди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЁЗИҚЛИ II Ёзилган, битилган. *Буларнинг ҳаммаси унинг бўйнига қарз бўлиб ётарди. Булардан ташқари, отасининг дафн харажатлари ҳам темир дафтарда ёзиқли эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дафтарнинг ҳар бетига число ва сарлавҳа ёзиқли эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЁЗИҚЛИ III *эск.* Ёзиғи, гуноҳи бор; гуноҳкор. *Пешонамиз тор экан, ёзиқли жон бор экан, Энди билсак, бу ишда «жоҳил» жавобгар экан.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ЁЗИҚСИЗ *эск.* Ёзиғи, гуноҳи йўқ; бегуноҳ, гуноҳсиз. *Ҳеч ёзиқсиз мазлумларча инграган, жафо тортган қора кунлар кетмишдир.* Ғайратий.

ЁЗЛАМОҚ Ёзда бирон жойда яшаб дам олмоқ. *Ишламаган тишламасин, Уйимизда қишламасин, Боғимизда ёзламасин, Кўнгил торин созламасин*, С. Акбарий.

ЁЗЛИК Ёзга хос, ёз учун белгиланган, ёзга мувофиқлаштирилган бино, нарса; буюм. *Ёзлик чойхона. Ёзлик кўйлак.* ▬ *Гулнор бу кун ювилиб, офтобда қуриган бир қулоч ёзлик кийимларни аллақаёқдан йиғиштириб келар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нусратбек тўрдаги айвон четига ўрнатилган қўлювгичда қўлини чаяётганида, биров ўзига тикилиб турганини сезиб, ёзлик ошхона томонга қаради.* С. Нуров, Нарвон.

Ёзлиги йўқ Ёз иссиғига бардош беролмайдиган, иссиққа чидамсиз. *-Сизнинг ҳам менга ўхшаш ёзлигингиз йўқ экан, — деди у, Сорахоннинг қўлини ушлаб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЁЗЛОҚ Ёз фаслида яшайдиган жой; ёйлоқ, яйлов. *Ёзлоққа кўчиб кетмоқ.* ▬ *Қани ўша Буқабулоқ, Тоғ ҳуснига уқа булоқ, Ўша дара, ўша ёзлоқ, Сўқмоғи мўл ўша созлоқ.* Миртемир.

ЁЗМА Хат, ёзув воситасида ифодаланган, ёзилган. *Ёзма маълумот.* ▬ *Дарс тайёрлашни ёзма ишларни бажаришдан бошлаш мақсадга мувофиқ.* «Фан ва турмуш». *Ёзма адабиётдан ташқари, халқимиз*

юзлаб ажойиб достонлар яратган. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЁЗМИШ *эск.* **1** Тақдир, қисмат. *Ҳаётингнинг бутун ёзмиши Бир нафасдир, эҳ, бир нафасдир.* «Ёшлик».

2 Гуноҳ, айб, ёзиқ. *Айбдор ўз ёзмишларига яраша жазо олди.*

ЁЗМОҚ I **1** Ўроғлиқ, тахлоғлиқ нарсани очмоқ, ёймоқ. *Гиламни ёзиб кўрмоқ.* ▬ *Бостирмада Зиёдахон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳаммасига дастурхон ёзиб, сувнинг ўрнига шарбат, асал билан қанду новвот, зиёфат устига зиёфат қилди.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Ғижимланиб, бужмайиб қолган нарсани текисламоқ. *Солиев холи қолгач, ғаладондан сарғайиб кетган аллақандай қоғозларни олиб, кафти билан ғижимини ёзди.* «Муштум».

3 Тўшамоқ, солмоқ. *Башорат ўзини қаёққа қўйишини билмас, опаларига кўрпача ёзиб, яхшилаб ўтиришларини илтимос қилар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Она-бола бир ўрин ёзиб ётдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Очмоқ, ёймоқ; ростламоқ; кермоқ. *Панжасини ёзмоқ. Қанот ёзмоқ.* ▬ *Пирнафас ака қулочини ёзиб, кучи борича санчқини отди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 Тўпланиб, ўралиб, уюлиб турган нарсани ёймоқ, тарқатмоқ. *Хирмондаги пахталарни ёзмоқ.* ▬ *Беш танобга солинган тупроқни ёзиб, очилган ерни ҳам чопиб, шудгор қилиб қўяди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сочингни ёзма дедим-ку! Қулоғингга тош биткур!* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Пастроқда заррин попукларини ёзиб, хотин-қизлар артелининг байроғи ҳилпирайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

6 Чиқармоқ, очмоқ. *Кимдир суқиб кетган тол ёғочи кўкариб, япроқ ёзди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ариқ лабларида ниҳол барг ёзар, Теварак гулбаҳор, теварак кўркам.* Р. Бобожон.

7 Тарқатмоқ, йўқотмоқ. *Хафалигини ёзмоқ.* ▬ *Бечора канизлар дард-аламларини ўйин-кулги билан чиқарар, ғамларини шу билан ёзардилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Кўнглини ёзмоқ Дарду ҳасратини айтиб, ғам-аламдан фориғ бўлиб, кайфиятини яхшиламоқ. *Гаплашиб, кўнглимни ёзгим келяпти.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Қўшиқ айтиб, кўнглимизни ёзамиз Эринсак, дуторнинг торин узамиз.* «Юсуф ва Аҳмад». **Оёқнинг чигилини ёзмоқ** Бир оз юриб, оёқ увушганини тарқатмоқ. *Иброҳимов оёғининг чигилини ёзгани ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қанот ёзмоқ** 1) қанотини ёймоқ, кермоқ. *Кейин бир тўхтаб олди-да,* [*бургут*] *қанотларини ёзиб, олдинга талпинди.* Ў. Умарбеков, Чарос; 2) пайдо бўлмоқ. *..қалбимда янги бир орзу — Шербодга отланиш орзуси қанот ёзди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЁЗМОҚ II **1** Қоғоз ёки бошқа нарсага бирор белги (ҳарф, рақам) туширмоқ, ёзув орқали ифодаламоқ; битмоқ. *Ариза ёзмоқ.* ▬ *Ёзганда ҳам, тез-тез, китобга кўз ташлаб, чапдан ўнгга қараб ёзарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бўтабой оёғи билан ерга бир нима деб ёзди-ю, яна йўлда давом этди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *фольк.* Баён қилмоқ, айтмоқ; ифодаламоқ. *Шарҳи дилим кимга ёзсам, Шакар деб дунёни кезсам.* «Ширин билан Шакар».

3 Ёзма равишда мурожаат қилмоқ; матбуот орқали хабар, маълумот бермоқ. *Ҳа, кимга ёзсин бўлмаса, Охунбобоевга.. ёзса бўлармиди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Султонбекдек бир давлатманд ўз ўғлини мавлуд тўйи билан кесди, деб газетага ёзаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Рўйхатга киритмоқ, рўйхатда қайд этмоқ; аъзо қилиб олмоқ. *Шанбаликка ҳаммани ёзди, мени ёзмади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *..биттагина кир дастурхонни тилга олиш билан бу ҳовлининг жиҳоз-амлокини — рўзғорини ёзиб чиқилган бўлинур.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Ёзма бадиий ёки мусиқавий асар яратмоқ, ижод қилмоқ. *Ҳикоя ёзмоқ. Опера ёзмоқ.* ▬ [*Эгам Раҳимов*] *Журналист сифатида қанчадан-қанча очерклар, ҳикоялар, публицистик мақолалар ёзди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Пешонага [*ёки* **худо**] **ёзган** Тақдири шундай белгиланган, яратилган. *Худо бандасини яратганда, пешонасига «чоракор бўласан» деб ёзмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Ҳай, худо ёзган кўргилик шу экан-да! — деб ҳасратини тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁЗМОҚ III **1** *эск. айн.* **адашмоқ 2**. *Йўлдан ёзмоқ.*

Ақлдан ёзмоқ Телба бўлмоқ, эсини йўқотмоқ. *Дарҳақиқат, ақлдан ёзиб, кўчаларда очиқ кезиш ва кишанга тушишнинг ўзи ҳам*

Зайнаб учун кичкина жазо ҳисобланмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гуноҳ қилмоқ. -*Шу қийналиб ётган бевабечоранинг қадри бир қушча йўқми? Ахир улар худога нима ёзибди! — деди Абулбарака.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Худога нима ёздим? Наҳот ўтган-кетганнинг қўлига термилиб, қариб-чириб адо бўлажакман?* [*деди Матпано*]. С. Сиёев. Ёруғлик.

ЁЗМОҚ IV Кўмакчи феъл вазифасида ***-а*** шаклли равишдош билан келиб, етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг тўла рўёбга чиқмаганлигини, бажарилишига сал қолганлигини билдиради, мас. *йиқила ёзди, урила ёзди.* ▬ *Эҳтимол, [Олимжон] ана шу меҳнат шавқига кўмилиб, Ойқизни ҳам унута ёзгандир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳикоя битгач, [имом] заҳарханда билан Самад буқоққа қаради, дами кесила ёзган буқоқ бундан руҳланди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЁЗУ ҚИШ *айн.* **қишин-ёзин.** *Шунинг учун юзни очмай ёзу қиш, Юз-кўзига ниқоб тутиб юрармиш.* Ҳ. Олимжон.

ЁЗУВ I **Ёзмоқ** II **1** фл. ҳар. н. *Ёзув машинаси бўлмаган терговчи маҳкамасининг мирзаси бечора протоколни жуда зўр диққат ва ҳафсала билан кўчирган.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Натижада Йўлчи.. ҳар кун терлабпишиб, соатларча ёзув машқ қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Муайян бир тилда қабул қилинган ёзма белгилар ёки тасвирлар тизими; алифбо. *Араб ёзуви. Руник ёзув.* ▬ *Ўнлаб халқлар: мордвалар, комилар, марилар, қорақалпоқлар, хакаслар.. ва бошқалар ўз миллий ёзувларига эга эмас эди.* «ЎТА».

3 График белгиларнинг тасвири, ҳарфлар. *Яна бу қўлёзмада шоирнинг Жомий ғазалига тахмис йўли билан ёзган мухаммаси ҳам бор. Лекин ёзувлари жуда чаплашиб кетганлиги учун ўқий олмадик.* «ЎТА».

4 Ёзилган нарса, матн, хат. *Асад қори тахтадаги ёзувни тартиби билан ўқий бошлади.* М.Исмоилий, Фарғона т. о. *Мирзакаримбой соқолини селкиллатиб кулди ва бу ёзувдан рози бўлганини билдирди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана шундай ёзувлар Тошга ўйиб ёзилган.* З. Диёр.

5 Уйга ёзиш учун берилган вазифа. *Ойичи, ойи, бугун ёзувдан тўрт олдим* [*деди Бахтиёр*]. С. Зуннунова, Янги директор.

Магнитофон ёзуви Магнитофонга ёзилган матн. *Ана шундан кейин ансамбль иштирокчиларига кечаги магнитофон ёзуви қўйиб эшиттирилди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ЁЗУВЧИ 1 Ёзмоқ 1 фл. сфдш.

2 *от* Бадиий асар ёзиш иши билан шуғулланадиган шахс; адиб. *Талантли ёзувчи.* ▬ *Эр-хотин айтаверса, бу жанжалнинг тарихи бирон ёзувчининг қўлига тушса, каттакон бир китоб бўладиган.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. *Жўрахон, ёзувчи билан хайрлашиб, ташқарига чиқди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 *салб.* Иғвогар, орага нифоқ солувчи. *Бу ёзувчи кўп одамларни сарсон қилди.*

ЁЗУВ-ЧИЗУВ Умуман, ёзув билан бўладиган, ёзув ва чизувга алоқадор ишлар. *Котиба доимо ёзув-чизув билан банд.* ▬ *Инженерлар ҳам ёзувчиларга ўхшаб доим ёзувчизув қилиб юради.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Авваллари ёзув-чизув ишларини ҳам Ботиралининг ўзи олиб борди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЁЗУВЧИЛИК Бадиий ижод билан шуғулланиш; ёзувчи касби. *Саидий — жўн студент, ёзувчиликка уннаб, ҳамиша муваффақиятсизликка учраб юрган бир йигит.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Хотира дафтарида ёзувчилик меҳнатига доир кўп фикрларни учратиш мумкин.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ЁЗУҒ *айн.* **ёзиқ.** *Ул ғарибларнинг не ёзуғлари бор, ахир?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁЗҒИРМОҚ 1 Хафа бўлиб гапирмоқ, гина қилмоқ; айбламоқ, айб қилмоқ. *Муҳсинани бекорга ёзғирган экан.* М.М.Дўст, Лолазор. *Ахир, опам эшитса, ёзғирмайдими? Унинг ҳурмати йўқми?* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Ҳатто, қадрдон дўстим нега мендек ўйлай олмайди, дея уни ёзғириш ҳам инсофдан эмас.* Т. Қаипбергенов, Қорақалпоқнома.

2 *эск.* Гуноҳ қилмоқ. *Мен нима ёзғирдим сизга?*

ЁЗҒИЧ *эск. айн.* **қалам.** *Ана шу оқим таъсири остида маълум даврда* ***қалам*** *сўзи ўрнида* ***ёзғич***.. *сингари архаик ёки ясама сўзлар ишлатила бошланган эди.* «ЎТА». *Улар қаламни* ***ёзғич***, *стаканни* ***сув ичкич*** *деб кулги қилардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁЗҒУЧИ 1 *эск. айн.* **ёзувчи 1.** *Унинг отидан талоқ хати ёзғучи шу бадбахт Ҳомид.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *айн.* **ёзувчи 3**. *Зумрад кутилмаганда шарақлаб кулди: -Сенинг ҳамкасбинг экан, Хол! Ёзғучи.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЁИНКИ [*ф.* یا این که – ёки, ё бўлмаса] *эск. айн.* **ёки**. *Чамадончамни кўтариб, у ёққа чопаман, бу ёққа чопаман, қани энди, бўйрача соя ёинки бир пиёлагина яхна топилса!* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ЁЙ I **1** Қуёш нурининг ёмғир томчиларида синиши натижасида осмонда ярим доира шаклида ранг-баранг тусда кўринадиган йўл; камалак.

2 *айн.* **камалак 1.** *Ҳакимбек ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб, кўтариб тортди.* «Алпомиш». *Ёй ўқи нишон ёғочига "тақ" этиб урилгани баралла эшитилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *эск. айн.* **қавс** I. *Катта ёй. Ёй ичига олмоқ.*

4 *мат.* Айлананинг исталган икки нуқтаси орасидаги бўлаги. *Параллел ватарлар орасидаги ёйлар бир-бирига тенгдир.* «Геометрия».

Қаддини ёй қилмоқ Бели эгилмоқ, букчаймоқ. *Акром мироб, қаддини ёй қилганича, одамлар оқимига қўшилиб борарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. **Электр ёйи** *физ.* Икки электрод оралиғида ёниб турган ёй.

ЁЙ II [*а.* ی ҳарфи] *айн.* **ё** I.

ЁЙ-ЎҚ *қ.* **ўқ-ёй**. *..Аҳмад Танбал бўйнини мўлжаллаб урган қилич Бобурнинг ёй-ўқлари солинган садоғига тегиб, уни шарт кесиб тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЁЙИЛМА 1 Дарёнинг суви ёйилиб оқадиган кенг жой. *Болалар ана шу ёйилма четроғида, сув кун тафтида илиб қолган жойда чўмилишаётган экан.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 *кўчма* Кенг, ҳудудсиз майдон, кенглик. *Ҳамон сузар қизил олмалар Хаёлимиз ёйилмасида.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

3 *мат.* Геометрик жисмнинг ёйиқ ҳолга келтирилган устки сирти. *Кубнинг ёйилмаси.*

ЁЙИЛМОҚ 1 Ҳар тарафга тарқалган, сочилган, бир-биридан ажралган ҳолатда бўлмоқ. *Ҳув олисларда подалар, сурувлар мириқиб ёйилиб юришибди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Хотинлар сояда ёйилиб ўтириб, гангир-гунгур гаплашар, баъзилари қуруқ нон кавшар, баъзилари бола эмизар эдилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Майда ўрилган қора, узун кокиллар белига тушади, енгил йўрғалаган сари ёйилиб силкинади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эшитилмоқ; таралмоқ. *Шу пайт майдон бўйлаб дикторнинг овози ёйилди.* С. Нуров, Нарвон. *Тунда радиодан паст товушда ёйилаётган қўшиқни тинглаб ётдим.* «Ёшлик». *Най садосининг майин тўлқинлари тип-тиниқ ҳавода ёйиларкан, гўё ҳаммаёқ жонланган каби туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тўшалмоқ, ёзилмоқ. *Далалардаги оқ олтин пайкалларига назар ташласангиз, гўё далалар узра ёйилган оқ дастурхонни кўрасиз.* Газетадан. [*Меҳмонлар*] *Чақнаб ёниб турган қизил, юмшоқ гилам четларига ёйилган шоҳи кўрпачаларда, катта пар ёстиқларга ёнбошлаб, чой ичар эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Овоза бўлмоқ, машҳур бўлмоқ. *Шерзоднинг ғайрати, ботирлиги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилибди.* «Ўзбек халқ эртаклари». *Қобилиятли боланинг овозаси кун сайин кенгроқ ёйила бошлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Плацдармни эгаллашда катта жасорат кўрсатган ўн баҳодирнинг таърифи бутун фронт бўйлаб ёйилди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 Ўзини эркин, бемалол ҳис қилмоқ; кайфияти яхшиланмоқ, хурсанд бўлмоқ. [*Кампир*] *Унсиннинг юзида ҳар вақтдагидан кўра ўткирроқ дард сезиб, бу куюнчак қиз ёйилиб келсин учун, қўшниларининикига чиқишга буюрди ва ўз тенги қизлари бўлган бир неча ҳовлини кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Мен сенлардан хурсандман, – деди Ҳасан ака бирданига ёйилиб.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Семиз одам салқин супада чордона қуриб, ёйилиб ўтирарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

6 Ривожланмоқ, томир отмоқ; оммалашмоқ. *Корхонада ягона наряд билан ишлаш тобора кенг ёйилиб бормоқда.* Газетадан.

Кун (*ёки* **қуёш) ёйилди** Қуёш анча кўтарилиб, атрофга тўла нур сочди. *Мурод қуёш ёйилганда турди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Кун ёйилиб кетди. Эрталаброқ вагонлар қизиб, дим бўлди.* С. Нуров, Нарвон. **Юзига табассум (***ёки* **кулги) ёйилмоқ** Илжаймоқ, кулмоқ, хурсанд бўлмоқ. *Ҳакимбойвачча диққат билан ўқир экан, юзига табассум ёйилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қоғозларни ўқиб туриб ҳамда уларни ўқиб бўлгандан кейин адвокатнинг чўзиқ юзларига бир кулги ёйилди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЁЙИҚ 1 Ёйилган, ёйиб осиб қўйилган. *Ёйиқ кирларни йиғиштирмоқ.*

2 Ёзиқ, тўшалган, солинган. *Ёйиқ дастурхон.*

3 Чуқур бўлмаган; ясси, юза. *Ёйиқ тарелка. Ёйиқ идиш.* ▬ *Буғи кўтарилиб турган ширмойи тўла ёйиқ сават кўтарган нонвой кириб келди.* «Гулистон».

4 Ўрилмаган, сочиқ (соч ҳақида). *Сочи ёйиқ қизчанинг кўзига боқ, ёр-ёр, Қандай ғусса кўнглини эзди шу чоғ, ёр-ёр.* «Қўшиқлар».

Ёйиқ гап *тлш.* Бош ва иккинчи даражали бўлаклардан тузилган гап.

ЁЙИҒЛИҚ Ёйилган, ёйиқ. *Бир уйнинг ичида уч кўрпача ёйиғлиқ турибди. Эшиги ҳам йўқ, тешиги ҳам йўқ. Меҳмон келса, очилади* (Қовун).

ЁЙЛАМОҚ *фольк.* **1** Яйрамоқ, мириқиб дам олмоқ. *Менинг тушим доим сенинг яйловинг, Ёйлай кўргин, ёрим, даврон сеники.* «Равшан».

2 Кўзламоқ, мўлжалламоқ. *Чорвадорлар ёйлар тоғнинг адрини, Яхши одам билар марднинг қадрини.* «Муродхон».

ЁЙЛОҚ *с. т.* Яйлов.

ЁЙМА 1 Ёйиладиган, ёйиқ; ёйиб, ёзиб тўшаладиган. *Ёйма тўр.* ▬ *Ит искатиб, ёйма матраб билан бедана овлашнинг гаштини сурадиган мавсум ҳам келди.* «Гулистон».

2 Ўқлоғи ёки жўва билан ёйилган хамир.

Ёйма раста Моллар ерга ёйилиб сотиладиган жой. *Чол уста билан пича ҳангомалашгач, ёйма раста томон юрди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЁЙМАЧИ Молларини ерга ёйиб сотадиган киши. *Шакарпазлар, сомсапазлар, ҳолвачилар, ёймачилар ҳам ўз чодирларидан чиқиб, бозорни обод қилишган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. [*Қори Ниёзий*] *Китобфурушлар, саҳҳофлар, ёймачилар олдига боравериб, оёғида оёқ қолмади.* С. Акбаров, Афсус, ўзи кўрмади. *Бозорга бориб, ёймачилардан чилонжийда сотиб олади.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЁЙМАЧИЛИК Ёймачи касби; ёйма усулда моллар сотиш билан шуғулланиш. *Бу одам.. Сулитепа станциясига турли атторлик буюмларини олиб келиб, ёймачилик қилар экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЁЙМОҚ 1 Тахланган, ўралган нарсани очмоқ. *Қалтираган қўллари билан даструмолларни ёйиб кўрди: иккаласи ҳам оқ шойидан.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Очиб, ёзиб осмоқ (тортилган арқон, ипга, шохга ва ш. к. га). *Кир ёймоқ. Кийимларни дорга ёймоқ. Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр.* Мақол.

3 Эзиб юпқаламоқ, яссиламоқ; чўзмоқ. *У энгашиб ўтирганча хамир ёяр, нимча кийиб олган, энтикиб нафас олар, шишинқираган юзи қизариб кетганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Тўшамоқ, солмоқ. [*Ёрмат*] *Отни қўшгандан кейин, аравага қалин намат солди, устидан кўрпача ёйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўшакни уй орқасидаги ажриққа ёйиб келиб, қуруқ каравотда шифтга тикилганча ётди.* С. Нуров, Нарвон.

5 Бир-биридан ажратиб, тарқатиб, сочиб қўймоқ. *Ёнғоқни офтобга ёймоқ. Қўйларни ёймоқ.*

6 Маълум қилмоқ, оммалаштирмоқ. *Қудрат.. у ерда [тўгаракда] ўрганганларини маҳаллий ишчилар орасида ёйиб юрган кунларининг бирида уни жандарма исковучлари тутиб қамадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Лекин бу нарсани* [*саводни*] *сир сақлаш ярамайди. Ҳаммага ёйиб, намуна қилиш керак, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Машҳур қилмоқ, овоза қилмоқ. *Арзигай номингиз ёйсак оламга, Шул эрур менинг ҳам умрлик дардим.* А. Орипов. *Институтимизнинг шону шуҳратини оламга ёядиган бўлдинг, дегани элас-элас қулоғимга чалиниб ҳам турибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

8 Тўпланиб, уюлиб ётган нарсани тарқатиб текисламоқ, текис қилмоқ. *Дўнглик ёйиб юборилгандан кейин Моҳидилнинг руҳи ёришиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

9 Тарқатмоқ, сочмоқ, бермоқ. *Пешингача тариққа сув ёяман, кечлатиб, Хевага чопаман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кўклам осмонига ёнбошлаб, ёяр қуёш алвон-алвон нур.* Т. Тўла.

Сочини ёймоқ *шв. фольк.* Мотам тутмоқ; ғам-аламда қолмоқ. *Биров ўлса, қолган қовоғин уяр, Қариндоши бўзлаб, сочини ёяр.* «Ҳасанхон». *Ўлиб кетсанг, юртинг бўлар бесоҳиб, Энанг, синглинг қолар сочини ёйиб.* «Муродхон». **Томир ёймоқ** *қ.* **томир. Қанот ёймоқ** Оммалашмоқ, ривожланмоқ; рўёбга чиқмоқ. *Орзуси қанот ёйган Турсуной Раимовадан хотин-қизлар ҳар қанча ўрнак олса*

арзийди. Ш. Шораҳмедов, Орзу қанот ёйди. **Қулоч ёймоқ** *айн.* **қулоч ёзмоқ** *қ.* **қулоч 1**.

ЁЙСИМОН Ёйга ўхшаш, яримайлана шаклидаги. [*Гулхайрининг*] *Кичик гўштдор қулоқларидаги ёйсимон олтин ҳалқалари тебраниб, ялтиради.* С. Нуров, Нарвон.

ЁКИ [*ф.* ياكى – ёхуд] *айр. боғл.* Икки гап ёки айрим гап бўлаклари орасида келиб, фикрнинг улардан бирига қаратилганлигини билдиради. *Мен борайми ёки ўзинг келасанми?* ▬ *Бирон одамнинг ўзидан паст ё баландлигини.. унинг уйида нечта гилами борлиги ёки неча кишига сўзи ўтиши билан ўлчар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁЛ I [*ф.* يال – от гарданидаги мўй] Бир қатор ҳайвонлар гардани (бўйни)да бўладиган узун юнг, қил тутамлари. *Шер ёли.* ▬ *Буғдойпоя ёқалаб ўтган тупроқ йўлда оқ ёлини елпитиб, бўз от йўрғалаяпти.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Теваракдаги кишилар бир менга ва бир тойчамга қарайдилар. Мен уялиб, тойчамнинг ёлини тараймaн.* А. Қодирий, Улоқда.

Юрагида (*ёки* **кўкрагида) ёли бор** Ҳақиқий эркак, мард. *Лекин чўлда юрагида ёли бор баҳодирлар қолди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *-Қани, юрагида ёли бор шерлар бўлса, майдонга чиқсин, канал қазиб, қўриқ очамиз, – деди Ҳамза.* Н.Сафаров, Оловли излар.

ЁЛ II *шв.* Сайр, истироҳат. *Яшил ўрмон бўлур ҳали Кўл айланаси, Ёз кунлари ёл этказли Қушлар панаси.* Миртемир. *Ҳали ишга рухсат йўқ! Уч кун аввал келдингиз, ҳозирча ёл этингиз.* Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. *Қуёш нимадандир хижил бўлиб қочгандай, булутлар орасида ёл этади, насим эса байроқларни тинмай ўйнатади.* Миртемир, Тингла, ҳаёт.

ЁЛВОРМОҚ Ўтиниб илтимос қилмоқ; илтижо қилмоқ, ялинмоқ. *-Мени ёлғиз ташлаб кетманг, – деди Қумри Қамчига ёлвориб.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бирам ялинди, бирам ёлворди, «урманг, тавба қилдим», деб йиғлади, кўзларидан дарё-дарё ёш кетди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЁЛДОР [*ф.* يالدار – ёлли] **1** Қалин ва узун ёлли; серёл. *Равшанбек қараса, бир одам, ёлдор, думдор бир жийрон отни йўрғасига солиб селкиллаб, ҳадеб йўрғалатади.* «Равшан». *Сувга қонган от ёлдор бўйнини ўша томонга чўзиб, қаттиқ кишнади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Жунли, сержун. [*Тўламатнинг*] *Ҳамон кенг, ёлдор кўкраги қишин-ёзин очиқ.* С. Анорбоев, Оқсой.

Ёлдор бўри *айн.* **сиртлон.**

ЁЛЛАМОҚ Маълум шартлар асосида кимсани бирор ишни бажаришга қабул қилмоқ, пул бериб ишлатмоқ. *Бойлар битта мардикор ёллаб бериш устига от ёки арава ҳам топишга мажбур эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қаландарлардан тағин ўн нафар маддоҳ ёллаб, қишлоқларга юборилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁЛЛАНМА Маълум шартлар асосида ишлайдиган, ёлланган. *Ширкат вакили ёлланма ишчиларни икки оворадан қилиб ажратди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Тўранинг ўнга яқин ёлланма навкари бўлиб, ҳаммаси қилич, милтиқ билан қуролланган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЁЛЛИ *айн.* **ёлдор 1**. *Махсум бирданига кўк ёлли оч бўрига айланиб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЁЛПЕЧ *айн.* **ёлпўш**.

ЁЛПЎШ [*ф.* يالپوش – ёлни ёпувчи] Отнинг ёлини ўраб, ёпиб қўядиган мато, ёпқич. *Икки сайис турар икки ёнида, Қулоғидан олди заррин ёлпўшни.* «Ҳасанхон». [*Шокир*] *Ағнаб, эгарини ағдарган отнинг устини очиб.. ёлпўш билан ёпиб, айил тортди.* С. Айний, Қуллар.

ЁЛПЎШЛАМОҚ Устига ёлпўш ташламоқ. *Усмонқул кўч-кўч деса, кўч бошлайди, Ортидан Нурмон ака юк ташлайди, Отини Абдуқодир олиб келиб, Бошига латта рўмол ёлпўшлайди.* «Оқ олма, қизил олма».

ЁЛЧИМОҚ 1 Етарли даражада таъминланмоқ; тўймоқ, қониқмоқ, қонмоқ. *Умрида ёлчиб овқат емаган, иззат кўрмаган Назирқул учун бундан ортиқ бахт йўқ эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Кўпинча оч-наҳор қолардик, ҳатто зоғора нонни ҳам ёлчиб емаган кунларимиз кўп бўларди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Ичкарига кириб ётинг, пича дам олинг, уч кун бўлди, ёлчиб ухлаганингиз йўқ.* Уйғун, Навбаҳор.

2 Бирор яхши кимса ёки нарсага етишмоқ, эга бўлмоқ; ниятига етмоқ; кўнгли тўлмоқ. *Шошган қиз эрга ёлчимас.* Мақол. *Бўзчи белбоққа ёлчимас.* ▬ [*Сўфиев*] *Каттани ака, кичикни ука деб, ўлиб-тирилиб ишлаб юрувди. Раислар экспедитордан ёлчидик, деб ишониб қолишган эди.* Ҳ. Назир, Кўкте-

рак шабадаси. *Раҳматулла хотиндан ёлчиган эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. -*Мансур бахши, сиз хотинга ёлчимай юрибсиз, — деди Шайбонийхон.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЁЛЧИТМОҚ Бировни бирор нарса билан таъминламоқ; бирор ишни дўндирмоқ, қойил қилмоқ, ўринлатмоқ. *Кийим-кечакка ёлчитмоқ.* ▬ *Раҳмонали деган бир ошнам бор эди. Ўзи умрида бирор жойда ёлчитиб ишламаган.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЁЛҚАМСИҚ *айн.* **ялқамсиқ.** *Лекин шу бир рўзғорга айланганлар ичида яхши ишлайдиганлари бор, ёлқамсиқ, муғамбир кишилари ҳам бор.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЁЛҚИН 1 Ёнаётган нарсадан кўтарилувчи аланга. *Шох ўтиннинг ўчоқни тўлдириб ловиллатаётган ёлқини қорайган кўчага шуъла сочмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Бектемир] Соф, лоларанг ёлқинга термилиб.. узоқ ўйлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ёруғ, ёғду, шуъла, нур. *Ёнар эди Дон чироқлари.. Чироқларнинг ёлқин шуъласи Этган эди ойни асира.* Ҳ. Олимжон. *Саҳнага берилган қип-қизил нур ёлқини залнинг ғира-шира қоронғилигида Маҳкамнинг юз чизиқларини.. бўрттириб, мардонавор қилиб кўрсатарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Ёлқин (эркаклар исми).

ЁЛҚИНЛАНМОҚ 1 Алангланиб, шуъла, ёғду таратиб ёнмоқ. *Хонанинг ўртасида манқал тўла қип-қизил чўғ ёлқинланади.* Ойбек, Навоий.

2 Товланмоқ, жилваланмоқ. *Қумтепалар ёлқинланади, Жимирлайди уйилган зардай.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Ҳаёт деган мунис бир санам Шодлик майин тутди қўлимга, Ёлқинланган лоларанг бу жом Сархушликни солди дилимга.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

ЁЛҚИНЛИ Нурли; алангали; оташин. *Унинг* [*Гулнорнинг*] *хаёлида ёлғиз Йўлчигина учади, фикран у билан сўзлашади, гўё йигит унинг сочларини силайди, эркалайди, ишқ, ёшлик нури тўла кўзлари билан унга термилади, гўё юрагидаги чин, ёлқинли муҳаббатни сўз билан ифода қилолмай, боқишлари билан баён қилади.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Яна виждондан, иффатдан даъво юритадилар! — ёлқинли кўзларида яна ғазаб тошиб деди Искандаро.* Ойбек, Нур қидириб. *Барқ урар ёшлигим юрт баҳорида. Дилимда элимга ёлқинли бир ишқ.* Э. Охунова.

ЁЛҒИЗ 1 Бирорта ҳам шериги йўқ, бир ўзи; якка, танҳо. *Ёлғиз дарахт. Ёлғиз ўзи келди. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас.* Мақол. ▬ *Шубҳали ёлғиз йўловчи кетганича кўринмади-қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Ака-ука ва опа-сингиллари йўқ; ота-онанинг ягона фарзанди. *Ёлғиз ўғил.* ▬ *Ҳар бир она сингари Тўқсон буви ҳам ўз ёлғизининг бахтли бўлишини истарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. [*Ёрмат:*] *Эл орасида мени шарманда қилма, ёлғиз қизимсан, аяб турибман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аямнинг ёлғиз ўғли урушга кетиб, келини уч боласи билан қолибди.* С. Сиёев, Ёлғизлик.

3 Кимсасиз, ҳеч ким йўқ. *Уй ёлғиз бўлгани учун холамникида бирпасгина ўтириб қайтдим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 *юкл. взф.* Фақат, биргина. [*Адолат*] *Ёлғиз ўз тақдирини эмас, ўзига ўхшаган юзлаб хотин-қизларнинг тақдирини ўйлайди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Аҳмад Ҳусайн бир неча кун уйдан қўзғалмади. Унинг эрмаги ёлғиз китоблар бўлди.* Ойбек, Нур қидириб. -*Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.. — деди Анвар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЁЛҒИЗЛАМОҚ Ёлғиз қўймоқ, танҳо қолдирмоқ, яккалаб қўймоқ.

ЁЛҒИЗЛИК 1 Ўзи билан ўзи бўлишлик, яккалик; танҳолик. *Икромжон неча кундан бери ёлғизликни қўмсарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ёлғиз яшашлик. -*Ёлғизлик қурсин, опажон, — Қумри дастурхонни йиғиштираётиб сўзлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЁЛҒИЗОЁҚ: ёлғизоёқ йўл Фақат пиёдалар юриши мумкин бўлган тор йўл; сўқмоқ. *Дала ўртасида ёлғизоёқ йўлдан бораётган Фотима опа болаларга қараб-қараб қўяди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Майна ёлғизоёқ йўлдан борарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЁЛҒИЗҚЎЛ Ишда, уй-рўзғорда кўмаклашувчи кишиси йўқ. *Ёлғизқўл одам.* ▬ *Абдулқодир ёлғизқўл бўлгани туфайли кўпдан бери бажаролмай юрган ўзга юмушлар билан шуғулланмоққа имкон топган эди.* Ойбек, Нур қидириб.

ЁЛҒОН 1 *сфт.* Ҳақиқатга зид, нотўғри; ҳақиқатда бўлмаган. *Ёлғон сўз. Ёлғон хабар.* ▬ [*Отабек*] *Илгари.. ўзининг ёлғон жавобларидан жуда хавотирланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Қайси ноинсоф топиб келди*

сизга бу ёлғон гапни? — деди Алим бува хуноб бўлиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *сфт.* Ҳақиқий эмас, сохта, ясама; ёлғондакам. *Ёлғон йиғи. Ёлғон кулги.*

3 *от* Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, нотўғри гап, нарса; уйдирма. *Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши.* Мақол. *Ёв макрини ёлғон яширар.* Мақол. ▬ *Ҳаёт ҳақиқатини куйласанг, халқ учун ёзсанг, таёқ ейсан; ёлғонни ёзсанг, бошингни силайдилар.* Ойбек, Нур қидириб. *Ёлғонни сал киши ишонадиган қилиб гапириш керак, Сафар*! А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ёлғон арафа *қ.* **арафа 1**. **Ёлғон барг** Уруғдан униб чиққан дастлабки қўш барг. *Ғўза ёлғон барг чиқариши билан дарҳол ягана қилиниши шарт.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Ёлғон тонг** Тонготардан анча олдин, тонг ёришгандек туйиладиган пайт; субҳи козиб. *Тонг бўзариб ёришди. Ёлғон тонгда адашиб йўлга чиққан булутлар таралди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Ёлғонни сув қилиб ичмоқ** Кўп ёлғон гапирмоқ. *-Ёлғонниям сув қилиб ичасан-да, Шерматхўжа! — деди биров.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ғирт ёлғон** Бутунлай нотўғри. *Лекин Ҳошимовнинг, шу бўри боласига маҳлиё бўлиб, Акром яхши ўқий олмай, олтинчи синфдан қолиб кетди, дегани ғирт ёлғон.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ЁЛҒОНДАКА *айн.* **ёлғондакам.** *-Яна совуқ сувга ювиндингми? — деди ёлғондака пўписа қилиб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Ёлғондака дунё Бевафо, ўткинчи олам. *Аслини сўрасангиз, ҳаммамиз бу ёлғондака дунёга меҳмонмиз.* К. Яшин, Ҳамза.

ЁЛҒОНДАКАМ 1 Ҳақиқий, чин эмас; сохта, қалбаки. *Ёлғондакам тўппонча. Ёлғондакам ҳужжат.*

2 Ғайритабиий, сохта. *Қиз ёлғондакам нозфироқ билан дик этиб турди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *У.. ўзини ёлғондакам уйқуга солиб, мудрагандай ўтирган экан.* Ойбек, Болалик. *Акмал Ҳамдам ёлғондакам шарақлаб кулди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЁЛҒОНДАН Ёлғондакам (тарзда), қалбаки равишда; сохтакорона. *Ёлғондан гапирмоқ. Ёлғондан дўқ қилмоқ.* ▬ *Шарофат ёлғондан қийқириб кулди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Командирни қайтариб келинг дейман, — дедим, ёлғондан ўрнимдан ҳам турдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

ЁЛҒОНЛАМОҚ Ҳақиқатда бўлмаган, ҳақиқатга зид нарсаларни сўзламоқ; ёлғон гапирмоқ; алдамоқ. *Тўрабек хижолат тортиб, ёлғонлади.* М. Мансуров, Ёмби. *Мурзиннинг ёдига [Элмуроднинг] ёлғонлагани тушди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЁЛҒОНЛИК Нотўғрилик, тўғри эмаслик; сохталик. *Муродхонга синглиси қараб, гапининг ёлғонлигини сезиб, акасининг сўзига ишонмай, бир сўз айтибди.* «Муродхон». *..бунинг ёлғонлиги маълум бўлгунча, далада иш тўхтаб қолади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЁЛҒОНЧИ Ёлғон гапирадиган одам; алдамчи; каззоб. *Ёлғончига қўшилма, рост сўзингни яширма.* Мақол. ▬ *-Ёлғончи экансиз, ўтинчи бола, — деб қиз пақирини ерга қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Асаднинг олдида ёлғончи бўлмай деяпман-да, — чайналди Аҳмад.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қизил гулни боғладим арғамчига, Қайдин ҳам кўнгил бердим ёлғончига.* «Оқ олма, қизил олма».

Ёлғончи дунё *айн.* **ёлғондака дунё** *қ.* **ёлғондака.** *Ёлғончи дунёда ризқим узилди, Дийда гирён бўлиб, бағрим эзилди.* «Алпомиш».

ЁЛҒОНЧИЛИК Ёлғон гапиришлик; каззоблик. *Демак, ёлғончилик касалига мубтало бўлган кишини ростгўй одамнинг қони билан даволаса бўлади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ёлғончилик билан иккиюзламачилик учун жазо берилмайди, шунақами?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁЛҒОН-ЯШИҚ Ёлғон ва уйдирмалар. *Ёлғон-яшиқ гап.* ▬ [*Отабек*] *Зайнабнинг ёлғон-яшиқ гаплар билан Кумуш юрагига ўт ёққанини пайқади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳали ҳозир ёлғон-яшиқ айтади, Бир кунлари айтиб, гапдан қайтади.* «Ҳасанхон».

ЁМ I [*мўғ.-туркий* يام — чопарлар оти ва шундай отлар алмаштириладиган жой] *тар.* Чопарлар, йўловчилар қўнадиган ва от алмаштирадиган жой; бекат.

ЁМ II [*ф.* جام — коса; қадаҳ] Катта, улкан хум. *-Ошпазнинг ўчоғида, кўнчининг ёмида, нонвойнинг томида сиғиниб юрган калтаксада бир ит эдим, сиғиниш жонимга теккан эди, — дейди Бердибой.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЁМ-ЁМ Душман, жаллод. *Ўлаксага ўч, худди ём-ём, Қайдан топай ёвга мос бир ном?* Миртемир. *-Қўрқма, сени сўймайман, мен ём-ём эмас. Сенга бир хизмат бор,*

ўғлим.. — деди домла Шум болага. F. Fулом, Шум бола.

ЁМБИ [*хит.-туркий* «юань бао» — бойлик тўплашнинг бошланиши] Яхлит қуйма олтин ёки кумуш. *Икки юз граммлик ёмби.* ▬ *Мурунтов олтин-руда комбинатининг ишга туширилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Олтиннинг дастлабки ёмбилари қуйила бошланди.* И. Ҳамробоев, Олтин ва давр. *-Ҳужрани қулфлаб кетамиз — хумчадаги тиллою ёмбиларингизни ҳеч ким олмайди, — деди Нафисахон.* Мирмуҳсин, Умид.

ЁМОН 1 Сифатсиз, сифати паст. *Ёмон чит.* ▬ *Биламан, тилларнинг ёмони йўқдир, Ҳар тилнинг ўз кўрки, улуғлиги бор.* Шуҳрат.

2 Бирор ишни эплай олмайдиган, уқувсиз, тажрибасиз. *Ёмон сувоқчи. Ёмон ходим. Ёмон ташкилотчи.*

3 Ахлоқсиз, феъл-атвори ярамас; бузуқ ниятли. *Ёмон киши экансиз-ку!* С. Аҳмад, Уфқ. *Барно унчалик ёмон, унчалик беҳаё қиз эмас.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Шуни унутмаслик керакки, уруш туфайли одамлар ўзбошимча бўлиб кетишди, элда ёмонлар кўпайиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза. *Начора, ёмонларнинг қўлидан ҳар иш келади, бало бас келсин уларга.* Э. Аъзамов, Жавоб.

4 Оғир, хатарли. *[Ҳомиднинг] Яраси ёмон, ҳушсиз ҳолда ҳиқиллаб ётибди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Айб, гуноҳ. *Ҳой, дўстим, бировнинг дўпписини бировга уддалаб кийгазиш ёмонми?* Шукурулло, Сайланма. *Вой ўлмасам, Зубайдахон, тасаддуғингиз кетай, нега тик турибсиз? Остонада-я! Остонада туриш ёмон бўлади, қизим, жойингизни билиб ўтиринг* [*деди Ҳамза*]. К. Яшин, Ҳамза.

6 Нотинч, беҳаловат. *Бугун Аҳмад жуда ёмон ухлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

7 Нохуш, ёқимсиз; совуқ. *Ёмон хабарнинг қаноти енгил бўлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бирор ёмон хабар бўлса, бизга ҳам айтишарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Докторнинг кайфияти ёмон шекилли, саломимга яраша алик олди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

8 Хавфли, хатарли; фалокат келтирувчи. *Абдишукур секингина минғирлади: -Гап иттифоқда, баҳамжиҳат бўлишда, укам! Орага фитна солиш ёмон нарса.* Ойбек, Танланган асарлар. *Калладан қора хаёлларни қувиш керак, тушкунлик энг ёмон душман.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Кўк қурт! Ёмон офат. Fўзанинг заволи.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

9 Салбий, ёқимсиз, бехосият; хунук. *Кучли шовқин ишловчиларнинг меҳнат унумдорлигини пасайтирди, асабга ёмон таъсир кўрсатди.* «Фан ва турмуш». *Бегойимнинг қотма юзи тиришди. Ёмон нарсани кўрган кишидай жирканиб: -Қувиб чиқаринг жувон ўлгурни! — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

10 Носоғлом, касал; ланж. [*Меъмор*] *Бир чеккада ғариб бўлиб ўтирган Fаввосга ҳам яхши гапирди, ўзингизни ёмон сезмаяпсизми, деб сўради.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳеч қаерим жиддий лат емаган бўлса ҳам, ўзимни ёмон ҳис қилдим.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Хўжайин ёмон бўлиб ётибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

11 Айёр, маккор, қув; ишбилармон, эпчил. *-Ҳа, эшон нега кетди экан? — Тирикчиликда-да. -Ҳа, мурид овига чиқиб кетган экан-да. Эски ҳунар! — Қори пиқиллаб кулди-да, ҳазиломуз: -Ёмонсан-а, ёмонсан! — деб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Опа ёмон, бир нарсага киришса — қўймайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

12 Ўқув-ўқитув ишларида энг паст баҳо. *Майли, уч қўйса ҳам, ёмон қўйса ҳам, майли! Мана шу бир оғиз сўзи учун Гавҳар ундан ҳеч қачон хафа бўлмайди!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бир куни дарсдан ёмон баҳо олиб, кечгача шу ерда хаёлга чўмиб ўтирганим эсимда.* «Гулдаста». *Мактабда ёмон баҳо олсам ё икки кун дарсга бормасам, бутун синф оёққа турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

13 Қаттиқ, кучли; жуда, ниҳоятда. *Яна бир бекат юриб тўхтагач, ҳайдовчи хотин унинг тепасига келди: -Ёмон уришдими? Ўлдиришдан ҳам тоймайди бу безорилар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Иноят оқсоқол уни кўпчилик ўртасида ёмон ҳақорат қилган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ёмон гап 1) одоб доирасига сиғмайдиган ибора; сўкиш. [*Гулсумбиби:*] *Бу ёмон гапни қаердан ўргандинг*? Ойбек, Танланган асарлар; 2) совуқ, нохуш хабар. *Ёмон гап тез тарқалади.* **Ёмон кун** Киши ҳаётидаги оғир дамлар. *Чеккан бутун азобларим, ёмон кунларим мана шу олмазор тагида, бижилдоқ қушларнинг бозорида эриб йўқ бўлиб кетаётгандек эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ёмон кўз**

қ. **кўз.** *Яна айтаман, фақат эҳтиёт бўл, ёмон кўздан ўзи асрасин.* Т. Ашуров, Оқ от. *-Хайр, худо синглимни* [*Кумушни*] *ёмон кўздан асрасин! — деб* [*хотин*] *фотиҳа ўқиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ёмон [кўз билан] қарамоқ** Бузуқ ният билан тикилмоқ. *Мен Ҳомиднинг қайним Сайфига ёмон кўз билан қараб юрганини сал-пал сезиб юрар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўрик олаётганимда, менга шунақаям ёмон қарадики, қўрқиб кетдим.* С. Аҳмад, Уфқ. **Ёмон кўрмоқ** Ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик; севмаслик. *Аҳмаднинг энг ёмон кўргани шунақа тунд бўлиб, гаплашмай юриш эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Манзура опа Ювош иккаламизни ёмон кўриб қолганлар* [*деди Саид*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Энг ёмони** Ҳаммадан хавфлиси, ёқимсизи; ёмонларнинг ёмони. *Энг ёмони хона ғоятда совуқ эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Аҳмадга ўхшаган соф виждонли одам учун энг ёмони — ўзини бекорчи, текинхўр сезиш.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЁМОНЛАМОҚ I Қоралаб, ёмонга чиқариб гапирмоқ. *Овқат вақтида Ҳожи ҳеч кимга сўз навбати бермай, бурунги замонни ёмонлаб кетди.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

ЁМОНЛАМОҚ II Бирдан пайдо бўладиган дард-касалликдан қаттиқ безовталанмоқ, ёмон аҳволга тушмоқ (от, мол ҳақида). *Махдум меҳмонхонасидан юриб келган оёқ товушини эшитиб, ёмонлаган отдек типирчилади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Илоҳи, ёмонлаб ўлгин, Тарлон от, устингдаги йўлбарсингни найладинг.* «Ойсулув».

ЁМОНЛАШМОҚ 1 Ёмонламоқ I фл. бирг. н.

2 Ёмон томонга ўзгармоқ, қийинлашмоқ, баттар бўлмоқ. *Ҳаво ёмонлашди.* ▬ *Марямхон.. эрининг кўнгли иккига бўлинса, турмуш ёмонлашажагини тушунтиришга тиришган.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Оғирлашмоқ, кучайиб кетмоқ (касаллик ҳақида). *Касал ёмонлашди.* ▬ *Тун яримга борганда, Бобоқул отанинг аҳволи ёмонлашди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЁМОНЛИК Ёмон, салбий хислатларга эга бўлишлик; ёмон, ярамас ишлар қилиш; қабиҳлик, ёвузлик. *Яхшининг яхшилиги тегар тор ерда, ёмоннинг ёмонлиги тегар ҳар ерда.* Мақол. ▬ *-Бизнинг мақсадимиз — кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁМОНОТЛИҚ: ёмонотлиқ бўлмоқ Ёмонлик билан, ёмон деб ном чиқармоқ, шарманда бўлмоқ. *Бобур ва унинг тарафдорлари халқ орасида ёмонотлиқ бўлишларидан Жаҳонгир мирзо ва унинг онаси Фотима Султон бегим ҳам манфаатдор эдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *-Аниқроқ қилиб айтинг, Муса ака, Бўтабой бекорга ёмонотлиқ бўлиб қолмасин, — деди Низомиддинов.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЁМҒИР Булутлардан сув томчилари ҳолида тушадиган, ёғадиган ёғин. *Ёмғир суви. Ёмғир ёғди. Ўтган булутдан ёмғир кутма.* Мақол. ▬ *Ёмғир худди жонга игна санчгандай, эзиб муттасил савалаcalled.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ёмғир томчилари билан ювилган ҳавонинг покиза еллари гоҳ баданни чимчилаб ўтади, гоҳ сескантиради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Ўқ ёмғири Ёмғирдай ёғилаётган кўп ўқ. *Уч томондан ёғилаётган ўқ ёмғири уларнинг бошини кўтаргизмай қўйди..* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЁМҒИРГАРЛИК *айн.* **ёмғиргарчилик**.

ЁМҒИРГАРЧИЛИК Ёмғир кўп ёққан ёки ёғадиган вақт; ёмғирли об-ҳаво. *Ёмғиргарчилик бошланиб кетди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЁМҒИРЛАТИБ: ёмғирлатиб суғормоқ Ёмғирга ўхшатиб, томчилатиб суғормоқ. *Шунингдек, токзорларни ёмғирлатиб суғориш усули ҳам тажрибадан ўтказилди.* «Фан ва турмуш».

ЁМҒИРЛИК *айн.* **ёмғирпўш 1.** *У* [*Бектемир*] *халтасини бурчакка қўйиб, ёмғирлигини ечди.* А. Мухтор, Чинор.

ЁМҒИРПЎШ 1 Ёмғир пайтида кийиладиган, ёпинадиган кийим ёки ёпинчиқ. *Кичикроқ ёмғирпўшни ўзи кийди-ю, отга минди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Ёмғир пайтида бошга тутиладиган буюм; зонтик. *Муқаддам ёмғирпўшини эшик олдидаги михга илди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

ЁН 1 Тананинг елкадан сонгача бўлган, шунингдек, бирор нарсанинг ўнг ёки чап қисми. [*Отабек*] *Ўнг ёнини босиб, кўрпага бурканди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мингбоши қўлини ёнига туширди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Канизак енги билан бурнининг икки ёнини тез-тез артар экан, Саманда-*

ровга кўз қири билан қаради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Умуман ўнг ёки чап томон; тараф; атроф. *Ён қўшни.* ▬ *Худоёр ҳузурига кирадиган эшикнинг икки ёнида ойболта кўтарган икки жаллод сурат каби қотганлар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Асад қори ёнидаги элликбошини туртди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мансур ёнига аланглаб, юмалоқланган кўрпа-тўшакларни кўрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Ёқа, чет; қирғоқ. *Ариқ ёни.* ▬ *Деворнинг ёни билан келгани учун ҳам Ойқиз кўрмай қолган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Чўнтак, кисса. *Ёнимда пулим йўқ.* ▬ *Аҳмад Чалабий оқчадан ёнига кўпроқ солиб олишни тайинлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ёнимда яна ўттиз сўмча қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қаердандир пайдо бўлган ёш бир йигит.. ёнидан бинт чиқариб, Аҳмаджоннинг бошини боғлашга киришди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 Қўшни, ўзаро яқин. *Таманно ён қишлоқдаги касалхонада ишлаши керак.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.

Ён бермоқ Енгилмоқ, паст келмоқ; рози бўлмоқ. *Илгари Ашурдақаларга дарров ён берарди.* П. Қодиров, Қадрим. **Ён босмоқ** Тарафини олмоқ, ёқламоқ; ҳомийлик қилмоқ. *Бир тараф соҳиб қорига, иккинчи тараф Адолатга ён босди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ёнига кирмоқ** Ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ; ўсиб, улғайиб, ёрдам берадиган ёшга етмоқ. [*Ўктам:*] *Ачинсанг, ёнимга кир, қизчаларга ёрдамлашайлик.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ибн Ямин: -Оллога минг қатла шукур, шунча фарзанд кўрдим. Худо хоҳласа, тезда катта бўлишиб, ёнимга кириб қолишар, — деб қувонди.* К. Яшин, Ҳамза. **Ёнига тушмоқ** 1) фойда қилмоқ. *Мирзакаримбой соқолини селкиллатиб кулди ва бу ёзувдан рози бўлганини билдирди: «Дуруст. Ўн сўлкавой ёнига тушадику, мақтамайдими?»* Ойбек, Танланган асарлар. 2) ҳимоя қилмоқ, тарафини олмоқ. *Ғидибиди авжига чиқди. Она ўғил ёнига тушди.* «Муштум». **Ёнига қолмоқ** Фойда кўрмоқ. *Лоақал пичоқ тортиб юборганида ҳам, эти ёнга қоларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ёнини олмоқ** Ҳимоя қилмоқ, ёқламоқ, қувватламоқ. *Холиқ ёнимни олармикан десам, у ҳам бошқаларга қўшилиб, мени калака қиляпти.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ЁНА Ёнбағир, қиялик. *Това тошлар ёналарда йиқилай-йиқилай дея омонат турибди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Олқорлар ўйнайди товда, ёнада..* «Юсуф ва Аҳмад».

ЁНАКИ Ёни билан. *Дилшод ўзини четга олиб, меҳмонга йўл берди. Кейин ярим қадам олдинга ўтиб, ёнаки юриш билан уни айвонга бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЁНАР Ёниб турадиган, ёнувчи. *Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур.* Мақол.

Ёнар тоғ *эск. айн.* **вулқон.** *Амрингизга бўйсунар борлиқ, Ёнар тоғ ҳам ўчишга мажбур.* З. Диёр. **Ёнар қурт** Кечаси ўзидан нур тарқатиб турувчи қурт. [*Қараса*] *Чироқ йўқ.. Кичкинагина ёнар қурт пахсага ёпишиб ётарди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ЁН-АТРОФ Ҳамма томон; тўрт томон. *Киришим билан: «Касал қаерда экан?» деб ён-атрофга қарадим.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

ЁНБАҒИР *айн.* Ён, қиялик. *Адирлар ёнбағридан секин келаётган машина хиёл ўтмай Ғуломжоннинг бульдозери рўпарасига келиб тўхтади.* Газетадан. *Ҳамма жойга, ҳамма адир ёнбағирларига ҳам пахта экилган.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ёнбағирларда лолалар очилган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЁН-БЕРИ *айн.* **ён-атроф.** *Ён-беримда райҳонлар, ялпизлар, гуллар..* Миртемир, Тингла, ҳаёт. *Кўз, киприги пириллаб, Пайпаслар ён-берини.* Қ. Муҳаммадий.

ЁНАШМОҚ *айн.* **ёндашмоқ 1.** *Бирбирингдан неча вақтлар адашиб, Энди кепсан бунда излаб, ёнашиб.* «Рустам». *Ёнашиб, қошима яқин келмагин, Семурғга ҳадик бериб юрмагин.* «Баҳром ва Гуландом». *Тошғанингда асло бўлмас ёнашиб, Ночор от чопишар мироббошилар.* Миртемир.

ЁНБОШ 1 *айн.* **ён 1, 2**. *Ёнбошим оғрийди.* ▬ *Эъзозхон Ботиралининг ёнбошида ҳамон чопқиллаб юриб келарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Аваз унга бир қаради-ю, Маҳмуда Алиевнанинг ёнбошидаги стулга бориб ўтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Назар ёнбоши қирилиб пачоқ бўлган машинанинг олд ўриндиғига ўтирди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Ёнбошга олмоқ Курашда кўтариб олиб, ёнбошига қўймоқ. *Али полвон.. мени бир неча вақт айлантириб юрди, сўнгра чамага келтириб, ёнбошига олмоқчи ва ерга урмоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўнг ёки чап курак суяги.

У ёнбошидан бу ёнбошига ағанамоқ Ухлай олмасдан безовта бўлмоқ. *У* [*Ҳури*] *у ёнбошидан бу ёнбошига ағанар, кўнгли ҳам тун каби қоп-қоронғи бўлиб, хаёли тарқоқ ётарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Қудрат у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарила бериб, ярим кечадан оққанда, уйқуга толди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Ёнбоши ерга тегмаган** Курашда йиқилмаган, зўр; кураги ерга тегмаган. *Ёнбоши ерга тегмаган паҳлавон.* ▬ *Чет эллардан паҳлавонлик дағдағаси билан келиб турадиган зўрлардан биронтаси ҳали унинг ёнбошини ерга тегизган эмас.* Ойбек, Навоий.

3 *спрт.* Ўзбек курашида: курашчи усул қўллаб, рақибининг битта курагини ерга теккизганда ёки рақиби иккинчи марта огоҳлантирилганда бериладиган баҳо, балл.

ЁНБОШИГА *кўм. взф.* Ёнига, ён томонига, ён тарафига. *Кийимларини стулнинг ёнбошига ташлади.*

ЁНБОШИДА *кўм. взф.* Ёнида, ён томонида; яқинида. *Мактабнинг ёнбошида болалар боғчаси бор.*

ЁНБОШИДАН *кўм. взф.* Ёнидан, ён томонидан, яқинидан. *Дарё қишлоқнинг ёнбошидан ўтарди.*

ЁНБОШЛАМА Ён тарафдан. *Ёнбошлама пармалаш ярим кечада бошланади.* И. Раҳим, Тақдир.

ЁНБОШЛАМОҚ 1 Бир ёнбош билан тирсакка таяниб ётмоқ. *Ёрмат бошини кўтарди, бир қўлини ерга тираб ёнбошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кумуш Отабек яқинига сурилди ва тирсаклари билан унинг тиззасига ёнбошлаб, эркаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ён тарафга оғмоқ; эгилмоқ, қийшаймоқ. *Девор ёнбошлади.* ▬ *Машина жойидан силжиши ҳамон, ғарбга хиёл ёнбошлаб турган анорлар носқовоққа ўхшаш гулларини баланд кўтариб, гўё унинг орқасидан югураётгандек туюлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *поэт.* Бота бошламоқ (қуёш, ой ҳақида). *Ой ғарбга томон ёнбошлади.* Ж. Шарипов, Саодат. *Мутал райондан чиққанда, қуёш ғарбга ёнбошлаганди.* О. Ёқубов, Ларза.

ЁНДАМА Ёни билан, ёнлаб. *Раъно йўлакда ярмисини кўрсатиб ёндама турган хотиннинг олдига борди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЁНДАМАЛАБ Ёнига бурилиб, ёнига қайрилиб. *Мадаминбек ўйланиб қолди. Бир кўзини қисиб, ёндамалаб қаради.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЁНДАМАСИГА *қ.* **ёндама**. [*Хатиб домла*] *Қорни бўғоз сигирларникидек ўбдон эшилганликдан, ёнидаги ёстиққа.. ёндамасига чўкиб олади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *«Универсал» эгатларни ёндамасига кеса кетди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

ЁНДАМОҚ Яқин бормоқ; яқин келмоқ, яқинлашмоқ.

ЁНДАФТАР Чўнтакда олиб юриладиган кичик дафтар. *Ҳамза ҳам қотиб-қотиб кулди, ёндафтарини чиқариб, нималарнидир қайд қилиб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қирмизхон қабулхонага чиқиб, кўк муқовали ёндафтар ва ярми оқ ручка билан қайтиб кирди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштталар.

ЁНДАШМОҚ 1 Ёнма-ён келмоқ; яқинлашмоқ. *Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.* Мақол. ▬ *Бўтабой орқадан юрди ва буларни олдинга ўтказиб, Самандаровга ёндашиб, ундан секин: -Тинчликми? — деб сўради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гулсум сандалнинг четига, Ойимхонга ёндашиброқ ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Муайян бир ишга маълум бир нуқтаи назардан қарамоқ. *Масалага тўғри ёндашмоқ.* ▬ *Абдулла Қаҳҳор адабиётимизнинг долзарб масалаларига беҳад талабчанлик билан ёндашар эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ЁНДАШУВ Ёндашмоқ 2 фл. ҳар. н. *Ҳар иш ўз ўрнида азиз, бу икки хил ёндашувни қориштирмаслик лозим.* «ЎТА». *Бу қурилиш янгича ёндашув ва ечимларни талаб этади.* Газетадан.

ЁНДИРМОҚ 1 Ёнмоқ фл. орт. н. *Аввал, бек афанди, сиз уйингизга ўт қўйиб, ёндириб кетасиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Қиздирмоқ, ловиллатмоқ; ачиштирмоқ. *Қалампир тилимни ёндириб юборди.* ▬ *Кун баланд кўтарилиб, дарахтсиз, сувсиз кўчаларни, ўтгувчи-кетгувчиларни оташида ёндириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бутун гавдасини қандайдир иситма қоплаб, суякларигача ёндиргандай бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *кўчма* Авж олдирмоқ. *Эрининг вазмин туриб айтган гапи хотинининг тутай бошлаган ўтини баралла ёндириб юборди.* М. Ис-

моилий, Фарғона т. о.. *Мудҳиш хабар ёшқарининг юрагида ғазаб ва қасос алангасини ёндириб юборди.* Н. Сафаров, Севги.

ЁНДОР 1 *айн.* **ён 1.** *Қудрат шкаф ёндорининг бир ерини шаҳодат бармоғи билан босган эди, шкаф девор ичига қараб очилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эшик ёки дарвозанинг ён ёғочи. *Турдивой қўрғончанинг эшиги ёнига борди-да, ичкарига қулоқ солиб, ёндорга суянганча туриб қолди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЁНДОШ 1 Ёнма-ён турган, ёнма-ён ўрнашган. *Ёндош қишлоқ.* ▬ *Пўлат, Баҳор — икковлари бир синфда ўқир, ҳовлилари ҳам бир-бирига ёндош бўлиб, қадрдон қўшни эдилар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Самарқанд билан ёндош турган Бухорода халқнинг амирликка қарши қудратли ҳаракати янада ривожланди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

2 Бир-бирига боғлиқ, яқин. *Энди бу билан ёндош яна бир масала ҳақида ҳам фикрлашиб олсак.* «Ёшлик».

3 *айн.* **параллел**. *Ёндош чизиқлар.*

ЁНДОШМОҚ *қ.* **ёндашмоқ 1.** *Ёмонларга яқин борманг, ёндошманг, Ҳушёр бўлинг, тўғри йўлдан адашманг.* Ҳабибий. *Чимён тоғларининг чўққилари шундоққина шаҳарга ёндошиб тургандек.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЁН-ЁҚ *фольк.* Ёни-вери, атроф, теварак. *Тоғай шундай ён-ёғига қарайди, Бу бошига шолдан салла ўрайди.* Фозил шоир.

ЁНИ-ВЕРИ *қ.* **ён-ёқ.** *Ёни-веримга қарасам, бизникилар йўқ, ҳамма кетиб бўлибди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [*Наимий] Ўйлаб қараса, ёни-верида унга дўст, хайрихоҳ бўлган бировта тирик жон қолмабди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЁНИГА *кўм. взф.* **1** Олдига, яқинига. *Уй ёнига бормоқ.* ▬ *Ғуломжон ўчоқ ёнига ўтириб, қўлларини исита бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўзи билан бирга, етаклаб, бошлаб. *Сидиқжон ўн бир гувоҳни ёнига олиб, районга жўнади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЁНИДА *кўм. взф.* **1** Яқинида, яқин жойда, биқинида. *Уйимиз мактаб ёнида.*

2 Ҳузурида, қошида; қарамоғида. *Дирекция ёнида тузилган комиссия.* ▬ *Азизбек ёнида* [*Юсуфбек ҳожи*] *қандай мавқе тутган бўлса, Нормуҳаммад қушбеги олдида ундан ҳам юқорироқ ва маънолироқ эътибор қозонди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЁНИДАН *кўм. взф.* Олдидан. *Қўрқиб, аямнинг ёнидан жилмай қолдим.* С. Сиёев. Ёруғлик.

ЁНИЛҒИ Ёнадиган суюқ модда, суюқ ёқилғи (бензин, нефть ва ш. к.). *Ёнилғи тўла бочкалар, тракторларнинг эҳтиёт қисмлари кўчма қум тагидан чиқарилади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Газниқоб олдида бир шиша ёнилғи ҳам турибди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЁНИҚ 1 Шуъла, нур сочиб турган. *Ёниқ гулхан. Ёниқ чироқ.* ▬ *Ёниқ шам ёнида яна ортиқча икки шам турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Чақнаб турган. *Келин жавоб бермайди. Унинг кўзлари ёнади. Лекин шу ёниқ кўзларида ҳамма жавоб аён.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *кўчма* Жўшқин, ҳис-ҳаяжонли; оташин. *Қийинчилик билан эришилган бу нодир фурсатда ёниқ орзуларини, шўх эҳтиросларини алангалатишга қизда кучли интилув борлигини равшан кўрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу хаёллар тезда йигитликнинг кучли интилишлари билан қўшилиб, ёниқ орзу-ҳавасга айланди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЁНЛАМА 1 Ёни билан. *Ёнлама турмоқ.* ▬ *Жамила костюмини ечиб ташлагач, ойна олдида буралиб, баъзан ёнлама, баъзан қўлларини белига қўйиб, ўз-ўзини томоша қилди.* Мирмуҳсин, Жамила.

2 Кўндаланг, эни бўйлаб кетган. *Экинни суғориш даврида қия ерларда кўплаб ёнлама ариқлар қазилади.* Газетадан.

ЁНЛАМОҚ Ёнидан, ёнда қолдириб четлаб ўтмоқ. *Машина шудгорни ёнлаб, тўғри канал трассасига қараб борди.* «Ўзбекистон қўриқлари». [*Отабек*] *Боғчанинг кунботари билан харобазор иморатларини ёнлаб юрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЁНМА-ЁН *рвш.* Бир-бирига яқин, ёндош. *Меҳмонхонада эру хотин ёнма-ён ўтиришдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аваз ўзиб кетмоқчи бўлди. Гулсум ундан қолишмади, баравар, ёнма-ён чопишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меъмор Чўли бобо билан ёнма-ён юриб, қудуқ атрофларини айланди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЁНЙЎРҒА *шв.* Рақс усулларидан бири. *Қишлоқ қизлари уфори, ёнйўрға, ялатма, қай-*

чи, илониз, нуқтали юриш, чалмаса тебранма, ялли усулларига чунон нозик, ишвали йўрғалайдиларки.. С. Нуров, Нарвон.

ЁНМОҚ I **1** Ўт олмоқ; ўтда куймоқ. *Тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.* Мақол. ▬ *Қуруқ ўтин бир зумда ловуллаб ёниб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чайла қамишлари аллақачон ёниб битиб, ёғочларигина қора кўмир бўлиб, чарс-чурс қилиб тутаб ётарди.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Ёлқинланиб, нур бериб турмоқ. *Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамроқ бир ҳужра.. бу ҳужрада шам ёнади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳақиқатдан у кишининг [Зокир Ўриновичнинг] ҳовлисида чироқ ёнган эди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

3 Нур, шуъла сочмоқ, порламоқ. *Кўкда, дарахтлар устида ғуж-ғуж юлдузлар ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Арча турар ўртада ёниб, Оқмоқдадир ҳар ён шуъла-нур.* Ғайратий.

4 Товланмоқ, жилваланмоқ. *Гилам чўғдек ёнади.* ▬ *Кўйлак енги тирсакка қадар шимарилган, [қизнинг] тиқмачоқдай билакларида илон бошли олтин билагузуклар ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Ортиқ даражада иссиғи, ҳарорати ошмоқ, қизимоқ. *-Уҳ, баданим ёниб боради.. — деди Гулнор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *У ёноғини онасининг ёниб турган ўтли ёноғига суртиб, синиқ товуш билан пичирлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Ортиқ даражада қизимоқ. *Қуёш тик келган. Ҳаво ловуллаб ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кишини ҳолдан тойдирадиган саратоннинг ҳаво ёнган кунларида ҳар қандай тирик жон ўзини панага уради.* «Шарқ юлдузи». *У [Раҳим Саидов] пастга тушди. Кун тиккага келган, кўча ёнарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

7 *кўчма* Бутун вужуди билан берилмоқ, астойдил ҳаракат қилмоқ; қайғурмоқ. *Йўлчи ёзда ёниб, чанг-тупроқ ялаб, қишда қор-муз кечиб, бутун маҳрумиятларга, бутун оғирликларга қарамасдан, жонкашлик билан ишлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ашулани ҳам ёниб, жўшиб айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Онаман-у онаман, Болам учун ёнаман.* «Қўшиқлар».

8 *кўчма* Тутақмоқ, жаҳли чиқмоқ; асабийлашиб кетмоқ. *Сиз онамдан хафа бўлманг, унинг одатини биласиз-ку, бир ёниб, бир ўчаверади [деди Райҳон].* С. Анорбоев, Оқсой. *Олимжон ётиғи билан сўзлаган бўлса-да, раис ёниб кетди.* Ҳ. Назир, Қанотлар.

9 *кўчма* Кучаймоқ, авж олмоқ; алангаланмоқ. *Беғубор тонг каби қалбингда Ватан ишқи, халқ меҳри ёнар.* Ғайратий. *Ҳозир Халиловнинг нафрати ёниб турибди.* И. Раҳим, Ихлос.

10 Сабрсизлик билан кутмоқ, ошиқмоқ. *Навоий Ҳиротга кириши билан унинг махсус фармон олиб келганлиги бутун шаҳарга яшиндек тарқалди. Ҳамма уни тезроқ эшитиш орзуси билан ёнди.* Ойбек, Навоий.

Ичида чироқ ёнгандай бўлмоқ Бир оз хотиржам бўлмоқ, бир оз кўнгли тинчимоқ. *-Кампирнинг таърифини эшитиб, ичимда чироқ ёнгандай бўлди-ю, лекин бу гал одоб сақлаб индамадим, — деди чол.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мингбоши ичида чироқ ёнгандай бўлди, суюнчи кўзларида ўт бўлиб ёнди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Кўзи ёнмоқ** 1) асабийлашмоқ, жаҳли чиқмоқ. *Қушбегининг кўзи ёнди.. Манглай этлари тиришиб, сўл қўли билан соқолини тутамлаб, фикрга кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Тўғонбекнинг*] *Кичик, қийиқ кўзлари ёмон ёнади.* Ойбек, Навоий. *Бадианинг кўзлари ёнар, титраб турган қўлидаги ўткир ханжар ярқирар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. 2) жуда хурсанд бўлмоқ. *Қувончдан Бектемирнинг кўзлари ёниб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Лов этиб ёнмоқ** Қизишмоқ, тутақмоқ, асабийлашмоқ. *Тальатнинг нимага шама қилаётганини тушунди-ю, лов этиб ёниб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мунисхон лов этиб ёнди-да, чамадонини кўтариб, қора юбкасида Қўқонга қараб жўнади.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Юраги ёнмоқ** 1) орзу қилмоқ. *-Бир кўрсам, икки оғиз гап айтсам, деб юрагим ёнадиган бўлди.. — деди Давлатёр.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ичи куймоқ, аланга олмоқ. *Нима қилай, Шерали акажон! Айтинг! Юрагим ўртаб ёняпти!* С. Кароматов, Олтин қум. *Битта графинни ушлади: -Совуғиданми, иссиғиданми? - Совуғидан қуя қолинг. Юрак ёниб турибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЁНМОҚ II Қайтмоқ. *Ҳалимахоним ҳам Рузвондан рухсат олиб, уйига ёнди.* Ҳамза.

ЁНОҚ Юзнинг, бетнинг бўртиқ қисми. *Унинг [Башоратнинг] юз-кўзи отасига тортган эди: қошлари қуюқ, қалин; юм-юмалоқ*

ёноқлари ҳамиша қизил. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Аваз Матпаногa тикилиб қолди: у озибди, чаккалари чўзилиб, ёноқ суяклари туртиб чиқибди.* С. Сиёев, Аваз.

ЁНЧИҚ 1 Тўн, чакмон ва ш. к. ларнинг ички ён томонига тикилган чўнтак(ча). -*Ҳадемай элга қаҳатчилик бўлғай, — деди* [*Буғроҳожи*] *қаламтарошини ёнчиғига солар экан.* М. Осим, Ўтрор.

2 Пул солиш учун ёнда олиб юриладиган халтача; ҳамён. *Ҳомид ёнчиғини чиқариб, бир қўлидан иккинчи қўлига олтинларни санаб тушира берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЁНҒИН Бино, ўрмон, ғарам ва ш. к. га ўт тушиши натижасида ҳосил бўладиган зўр аланга. *Ҳамманинг кўзи узоқдаги, осмонни ютмоқчидек қутуриб юксалган даҳшатли ёнғинда эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ёнғиннинг аждаҳодай узун тили чўзилиб, кўкларга чиқар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЁНҒОҚ 1 Мағзи қаттиқ пўчоқ қобиққа ўралган кўп йиллик мевали дарахт. *Адолат чироқларни ёқиб юбориб, ёнғоқ тагидаги супага жой қилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Отлиқлар қўш ёнғоқнинг ёнидан ўтиб, тўғонга қараб бурилишди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Шу дарахтнинг меваси. *Ёнғоқ чақмоқ.* ▬ *Улар боққа чиқиб, тўкилган ёнғоқларни териб турганда, Жонузоқ оқсоқол қайтиб келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Бир қоп ёнғоқ Хушчақчақ, ичида кири йўқ одам ҳақида. -*Биз уни* [*Тожиматни*] *ёшлигимизда, бир қоп ёнғоқ, дер эдик. Эссиз, — деб ачинди Назаров.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Умрзоқ ота:*] *Ҳа, Ғани самоварчи эски қадрдоним. Қурмағур бир қоп ёнғоқ: борсам, сира зериктирмайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Бошида ёнғоқ чақмоқ** *қ.* **бош**. **Қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ** Амалга ошмайдиган, қуруқ ваъдалар билан алдамоқ. *Бек Лаълининг қўйнини шу вақтгача пуч ёнғоққа тўлдириб келаётганини оппа-очиқ айтди-қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Лекин мен сизнинг қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлғизмайман* [*деди Сидиқжон*]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЁНҒОҚЗОР Ёнғоқ дарахтлари билан банд ер, майдон. *Писта, бодом, ёнғоқзор, Етиб бўлмас бурчига.* Қ. Муҳаммадий. *У* [*Алимардон*] *ёнғоқзор боғ кўчага алламаҳалда етиб борди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

ЁП *шв.* Суғориш канали, катта ариқ. *Амударё ва ундан чиқадиган ёпларнинг сув сатҳидан анча паст бўлгани туфайли Хоразмда қадимдан сув чиқарадиган [кўтарадиган] техника ишлатилган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Аваз жинкўчаларни айланиб, ёп бўйига чиқди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁПДИ-ЁПДИ: ёпди-ёпди қилмоқ Жиноий ишни бекитмоқ, тинчитмоқ. *Бу ёқда замон ўзгариб, нозиклашди. Ишни милиция ёпди-ёпди қилгани билан бирон ғаламис чиқиб қолиши мумкин, деб Санжарни заводга беришди.* «Ёшлик».

ЁПИЛМОҚ I **Ёпмоқ** I фл. мажҳ. н. *Эшик ёпилди. Китоб ёпилди. Айби ёпилди. Ҳаво гоҳ очиларди, гоҳ ёпиларди.*

ЁПИЛМОҚ II **Ёпмоқ** II **1** фл. мажҳ. н. *Тандирга нон ёпилди.* ▬ *Ҳар кун икки юз қозон ош дамланар, саккиз юз тандир нон ёпилар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЁПИНМОҚ Ёпмоқ I **2** фл. ўзл. н. [*Гулнор билан Унсин*] *Паранжи-чачвонларини ёпиниб, кўчага чиқишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қор чойшаблар ёпиниб, Кекса тоғлар ухларди.* Ҳ. Олимжон.

Ойқора ёпинмоқ Чопоннинг бир пешини бошга, бир пешини оёққа тортиб ётмоқ.

ЁПИНЧИҚ Ёпиниб юриладиган нарса (паранжи, тўн, соябон ва ш. к.). *Ёз ёпинчиғингни қўйма, қиш ўзинг биласан.* Мақол. ▬ [*Шарофат хола*] *Узоқ ивирсиди, тинмай гапирди, ўғлининг этигини тозалади, ёпинчиғини сиқиб, қозиққа илди, чой дамлади.* А. Мухтор, Чинор.

ЁПИРАЙ *унд. с.* Ҳайратланиш, ажабланиш маъноларини билдиради. -*Ёпирай,* [*Бургут*] *қурултойдан келди-ю, бошқа одам бўлди-қўйди, — деди чол.* С. Аҳмад, Чўл бургути. [*Муса*:] *Шу жониворда ям орзу-ҳавас, ишқ бор денг? Ёпирай*! П. Турсун, Ўқитувчи. *Одамлар тўпланишиб, бир-бирларидан сўрашади: -Ёпирай, нима бўлди?* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁПИРИЛМОҚ 1 Кўплашиб, гала бўлиб келиб босмоқ; ҳужум қилмоқ. *Чигирткалар ёпирилди.* ▬ *Хавфли ҳол туғилди. Душман солдатлари ёпирилиб кела бошлади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Кўплашиб келиб тушмоқ, ёйилиб тарқалмоқ. *Болалар пахта даласига ёпирилди.*

ЁПИРИМ (*тўғриси* **ё пирим**) *қ.* **ё** III. *Ёпирим, чини минан шундай дедими?* Т. Мурод,

Юлдузлар мангу ёнади. *Қани, бир «ёпирим» деб ўрнингиздан туринг, хўжайин, остингизни супуриб қўяй.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ЁПИШМОҚ I **Ёпмоқ** I фл. бирг. н.

ЁПИШМОҚ II **Ёпмоқ** II фл. бирг. н.

ЁПИШМОҚ III **1** Маҳкам ушламоқ, тирмашиб олмоқ. *Васила Назаровна занжирни тушириши билан, нотаниш бир эркак отилиб кирди-ю, ёқасига ёпишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йигитали "Ая, дадамни қутқаринг, чўкиб кетяпти!" деб бақирармиш. Ўзи маҳкам отасининг сочига ёпишиб олибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *..Куёв томонидан ориқ, дароз, чайир бир хотин бел боғлади. Ўзгалар: ёш-қари — ҳаммаси шу икки аёлнинг белбоғига, этакларига ёпишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирикиб, туташиб кетмоқ; жипслашмоқ; қапишмоқ. *Дўппи калнинг бошига ширачлагандек ёпишиб қолган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Шафтоли гуллари дув учиб, бир қанча гул япроқлари Чароснинг хўл сочларига, юзига ёпишиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Илашмоқ. *Талъат орқаси билан сирғалиб, хирмондан тушди-ю, шимига ёпишган пахта толаларини қоқиб ташлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Отилмоқ, интилмоқ, талпинмоқ. *Муқаддам даҳшат ичида эшикка ёпишди: -Лобарларникига чиқаман..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қўзи-улоқлар тўймай қолса, ирғишлаб келиб, оналарининг елинига ёпишади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Жангчилар кўзларини роса очмасдан, милтиқларига ёпишдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Астойдил берилмоқ, жон-жаҳд билан киришмоқ. *Ҳар бири бир янгилик келтираётган бу кунларнинг шавқидан маст бўлган халойиқ ҳар қандай ишга мўр-малахдай ёпишар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мен одамлар туша солиб, телевизордагидай ишга ёпишиб кетса керак, деб кутиб турдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин *қ.* **ёқа** II. **Тилинг танглайингга ёпишгур!** *қарғ.* Ўлгур!

ЁПИШОҚ *айн.* **ёпишқоқ**.

ЁПИШТИРМОҚ Ёпишмоқ III фл. орт. н. *Конвертга марка ёпиштирмоқ.* ▬ [*Заргаров*:] *Бир альбом бор, секретарим қаерда докладбоп нарса кўрса, қирқиб, шунга ёпиштириб юради.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Мастура пахса деворга ёпиштириб қурилган тандирдан.. патир узаётир эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

Оғзидан олиб, ёқасига ёпиштирмоқ *салб.* Гап қайтармоқ; дарҳол жавоб қилмоқ. [*Барно*] *Ўзи ҳақидаги заррача гапни дарҳол оғзидан олиб, ёқасига ёпиштирадиган бўлди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ЁПИШҚОҚ 1 Ёпишадиган, ёпишувчан. *Ёпишқоқ модда.* ▬ *Ёмғир на тинар, на ёғар дегандай, йўлларнинг сарғиш ёпишқоқ балчиғи этикларни оёқдан суғурар эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли, ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқлари билан «қир-қир» тортиб қўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Тутган кишисини қўймайдиган; шилқим, хира. *Ёпишқоқ бола.* ▬ *Қодирбек ўлгудек шилқим, елим, ёпишқоқ йигит экан, ҳар куни Лайлонинг ўқишдан чиқишини пойлаб туриб, "машинада олиб бориб қўяман", деб тиқилинч қилармиш.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

Ёпишқоқ ёнғоқ Мағзи пўчоғига қаттиқ ўрнашиб қоладиган ёнғоқ.

ЁПИҚ I **1** Ўтиш ёки кириш-чиқиш жойи тўсиб, бекитиб қўйилган; берк. *Ёпиқ эшик.* ▬ *Кечаси маълум Марғилон дарвозалари ёпиқ бўладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уйларнинг эшиклари, деразалари тақа-тақ ёпиқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тўсилган; бекитилган. *Нури—куёшда кумушдай ялтировчи банорас паранжида; юзи қат-қат шойи рўмоллар билан ёпиқ, хонанинг остонаси ёнида сал эгилиб туради.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Усти бекитилган, ёпилган. *Ёпиқ қозон.* ▬ *Эрталаб соат еттиларда ётоқхона олдига усти ёпиқ юк машинаси келди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Тамом бўлди, тугади. *Асқар Бакирович яна бир марта унга* [*Баширжонга*] *ва коллективга муваффақият тилаб, мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.* Н. Аминов, Суварак. *-Мажлис ёпиқ, — эълон қилди Мадёров.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Ёпиқ мажлис Маълум шахсларнинг иштироки билангина ўтказиладиган мажлис. **Ёпиқ овоз бермоқ** *қ.* **овоз 7**.

ЁПИҚ II Умуман ёпиладиган мато. *Той устига ёпиқ ташламоқ.* ▬ [*Отнинг*] *Эгарлари нақшли, ёпиқлари духобадан бўларди.*

Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Арк ичида кенг ётоқ, устида кашмирий ёпиқ, иккита шишқин пар ёстиқ.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ЁПМОҚ I **1** Эшик, дераза ва ш. к. ни бекитмоқ. *Кирадиган эшигингни қаттиқ ёпма.* Мақол. ▬ *Мирҳомидхўжа оғилнинг эшигини секин ёпди-да, имо билан Қамбаралини бир чеккага чақирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Полвон*] *Остонага борганда: -Қолганини уйда оласан, — деди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Устига ташламоқ, устини бекитмоқ. *Чўли бобо уйига кириб, бир янги почапўстин олиб чиқиб, Меъморнинг елкасига ёпди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Йўлчи қуруқ наматга ётиб, устига кўрпача ёпди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қопқоқ билан бекитмоқ, қопқоқламоқ. *Чойнакнинг қопқоғини ёпмоқ* ▬ *Аҳмад уйига кириб борганида, Мунира қиш ғамини еб, аччиқ-чучукдан шиша банкаларга консерва ёпаётган экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 Иш-ҳаракатини, фаолиятини тўхтатмоқ. *Дўконни ёпмоқ. Мажлисни ёпмоқ.* ▬ *Хивадек кичик бир қальада олтмишдан ортиқ қорихона на керак? Уларнинг бир қисмини ёпмоқ лозим.* С. Сиёев, Аваз. *Абдусамадқори самоварини ёпиб, менга жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Очиқ, ёзиқ нарсани йиғмоқ, бекитмоқ. *Дафтарни ёпмоқ.* ▬ *Аҳмад варақнинг учини буклаб, журнални ёпди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Раъно китобни секингина ёпиб, Анварга узатди..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Саодатхон эндигина ёпган зонтини қайта очди.* С. Зуннунова, Янги директор.

6 Қурмоқ, бино қилмоқ. *Шунинг учун* [*Худоёрхон*] *меҳнаткашни раҳмсиз ишлатиб, сарой ва расталар, қаландархона ва ўрдалар ёпмоқда эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

7 Қопламоқ, эгалламоқ. *Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёпган баҳайбат мош-гуруч соқолини қалам билан таради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

8 Яширмоқ, махфий тутмоқ. *-Мабодо область газетасига ҳам келиб қолгудек бўлса, бу ёғини ёпамиз-қўямиз-да, — деди Ҳалим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Шу йўл билан сирингни ёпмоқчи бўлдингми?* [*деди Ўрмонжон*]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Эсинг борида этагингни ёп Вақт-ғаниматни қўлдан берма, хатонинг ўз вақтида олдини ол. *-Эсинг борида этагингни ёп. Менга йигит бўл! — деди Холхўжа Бўтага.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЁПМОҚ II **1** Тайёрламоқ, пиширмоқ. *Нон ёпмоқ.* ▬ *Эътибор опа уй юмуши билан банд бўлади: нон ёпади, ўғир янчади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У қайроқ буғдой унидан ёғли патир, сомса ёпди, қатлама пиширди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Чаплаб ёпиштирмоқ, чапламоқ. *Деворга таппи ёпмоқ.*

ЁПОҒИ *шв.* Қўйнинг майин жуни. *Қўлингиздаги оддий ёпоғи эмас. Майинлигини кўряпсизми?* [*деди Нигора*]. С. Анорбоев, Оқсой. *Бунда той-той момиқ, ёпоғи, тивит, Бунда олма ипак, мовут, каноп, чит.* Миртемир.

ЁППА 1 *айн.* **ёппасига.** *Ваъда шу! Барча қиз ёппа сафарбар, Шараф-ла етмакка шу бахтли дамга!* Зулфия. *Махдум.. икки болани меҳмонхонани супуриб, жой солишга буюрди ва бошқа болаларни ёппа озод қўйиб юборди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *шв.* Ўнгариб, босиб. *Яна биров Бозоровнинг: "Шийпонга икки отлиқни юбориб, Адолатни отга ёппа қилиб, Аравонга олиб қочаман, никоҳ кечасидан кейин кўникиб кетади", деган гапини олиб келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ё, Ражаб полвон қайтгунча, тўйнинг паловидан ёппа қилиб келайми?* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЁППА-ЁЛҒИЗ Фақат бир ўзи, танҳо, ёлғиз. *Баъзан қора тунда учган юлдуздай Бошим оққан ёққа ўзимни урдим, Баъзан ёппа-ёлғиз йўлчидай юрдим.* В. Зоҳидов, Ҳаётбахш бадиият тароналари.

ЁППАСИГА *рвш.* Ҳаммаси бирйўла, ҳаммаси бирдан; бутунлай. *-Болаларимизнигина эмас, катталарни, шу жумладан, хотинларни ҳам ёппасига саводли қилишимиз лозим, — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Норвой ака:*] *Қани, қўлинг шу топда Машина бўлиб қолса, Бир толасин қолдирмай, Ёппасига йиғиб олса.* Қ. Муҳаммадий.

ЁПҚИЧ Ёпиш, қоплаш учун хизмат қиладиган буюм. *Бахмал ёпқич.* ▬ *Қизларга хос нозик дид шу ерда ҳам сезилиб турадди: дераза ёнидаги тумбочка устига гулдор ёпқич ташланган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЁР [*ф.* یار — дўст] **1** Дилга яқин киши; ҳамдам, дўст, муҳиб; ёрдамчи. *Зиёфатга ўртоқлар, ёр ва биродарлар келишди.* ▬ *Ос-*

тимизда ўйнар отлар, Ҳар ким ўз кўнглини шодлар, Дўсту ёр, яхши улфатлар, Нуктадонлар, хуш қол энди. «Эрали ва Шерали». *..ниҳоят, зафар уларга [массагетларга] ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлашди.* М. Осим. Аждодларимиз қиссаси. *Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлиб, овимиз бароридан келсин.* Ҳамза.

2 Севгили, маъшуқ, маъшуқа. *Вафодор ёр.* ▬ *Ёр, мунча зор этдинг мени?* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Мен келтирган атласни Ёрим солмас сандиққа.* «Қўшиқлар».

Бўйни ёр бермайди Бирор ишни бажаришга ғурури йўл қўймайди, истамайди. *Эргаш уни, меҳнатга бўйнинг ёр бермаса, ҳозироқ бўшатиб қўяман, деб қаттиқ огоҳлантирди*, А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЁР-БИРОДАР, ёру биродар Дўстлар, ошна-оғайнилар, ўртоқлар. *Бўта шу топда қишлоқни, ёр-биродарларини эслади..* С. Аҳмад, Ҳукм. *Кўнгил сўраш учун келаётган ёр-биродарлар сийрак тортиб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Сиздек уч-тўртта каттакичик ёру биродарлар улфатчилик қилардик* [*деди чол*]. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁРДАМ 1 Бирор ишни бажаришда кўмаклашиш, қарашиш; кўмак, мадад. *-Отам ёрдамга югурган эди, қолган иккитаси отамга ёпишди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эртасига.. қўшни бригададан кетмончилар ҳам ёрдамга келишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маънавий кўмак. *Абдишукур.. амакисининг ёрдами билан ниҳоят бир бойга мирза бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Моддий кўмак; пул, маблағ. *Очилнинг уйдан оладиган ёрдами катта эмас эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Фойдали таъсир, наф. *Беморга бу дори ҳам ёрдам бермади.*

Ёрдам бермоқ (*ёки* **қилмоқ)** Ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ. *Сафаров тез-тез луқма ташлаб, мисол қистириб, унга* [*Бўтабойга*] *ёрдам берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Янги мактабларда ўқиладиган илмлар шариатга хилоф келмас, уламолар фатво беришса, ҳар бир ота ўз боласи учун қўлидан келганча ёрдам қилади, албатта.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тез ёрдам** 1) касал бўлганда бериладиган биринчи муолажа; ёрдам кўрсатувчи тиббий ходимлар; 2) тиббий транспорт воситаси. *Анови одам бехосдан ҳушидан кетди. «Тез ёрдам» чақиргандик, анчадан бери келмаяпти.* «Муштум».

ЁРДАМИДА *кўм.* Кўмагида, мадади билан. *Хўжа Яҳё икки ўғли, уч хотини, ўн бештача хизматкорлари ёрдамида тун бўйи кўч йиғиштирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Хуллас, дўстимиз Комил Жалолов ёрдамида бу камчиликларга тезда барҳам беришимизга аминман.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЁРДАМЛАШМОҚ Кўмак бермоқ, қарашмоқ. [*Ёрмат*] *Катта тугунларни хотинларнинг қўлларидан, бошларидан олиб, ичкарига олиб киришга ёрдамлашади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Зебихон ғилдирак ёғочларига оёғини бир-бир қўйиб, аравага чиқди. Кейин Адолатнинг қўлидан тортиб, унга ёрдамлашди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЁРДАМЧИ 1 Кўмак берувчи, кўмакчи, мададкор. *Қиз онага ёрдамчи.* ▬ *Очилвой шийпондан йигирма иккита фартук олиб чиқиб, ёрдамчиларга бўлиб берди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

2 Тегишли муассаса ва ташкилотларда биринчи даражали раҳбарга қабул, иш юритиш ва бошқа ишларда кўмак берувчи шахс. *Раис ёрдамчиси. Ректор ёрдамчиси.* ▬ *Боқизоданинг бир неча лекция стенограммалари катта шов-шувга сабаб бўлиб, гап унинг ишда қолиш-қолмаслигигача бориб етганда ҳам, ўша номаълум қўллар масалани кун тартибидан олиб ташлабгина қолмай, домланинг декан ёрдамчиси қилиб тайинланишига эришдилар.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Қўшимча равишда фойдаланиш, фойда олиш учун мўлжалланган; қўшимча. [*Ашир*] *Касалхонада ётиб тузалгандан кейин, лагернинг ёрдамчи хўжалигида.. ишлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Электр қувватини кўпайтирувчи ёрдамчи станцияни монтаж қилишда ҳам наманганлик азаматлар ишлашди.* Ойдин, Ҳикоялар.

Ёрдамчи сўз *тлш.* Мустақил маънога эга бўлмаган, грамматик муносабатларни билдирадиган сўз. **Ёрдамчи феъл** *тлш. айн.* **кўмакчи феъл** *қ.* **кўмакчи.**

ЁР-ДЎСТ, ёру дўст *айн.* **ёр-биродар**. *Унинг кўп ёр-дўстлари, таниш-билишлари орасида Саидийнинг эътибори кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *У киши ҳали ишдан қўл узганлари йўқ, хушчақчақ суҳбатни яхши кўрадилар, ёрдўстларникига борадилар.* Ойбек, Танланган

асарлар. *Муҳаммадамин қариндош-уруғларида бўладиган тўй-ҳашамлардами ёки ёру дўстлари даврасидами, ҳар қалай, ўзига қарашли жамоат орасида қайниси Содиқжонни таништиришни яхши кўрарди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЁР-ЁР *этн.* Келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти «ёр-ёр» ибораси билан тугайдиган қўшиқ номи. *Уммат тоз дарров сурнайини оғзига олди. Лунжини шишириб, «Ёр-ёр»ни бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бир арава қиз-жувон чилдирма чалиб, ёр-ёр айтиб ўтишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЁР-ЖЎРА *айн.* **ёр-биродар.** *Пахта байрамини ёр-жўралар билан Гулистон районида ўтказдик.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Ҳар боланинг синфдоши, Қурдоши, ёр-жўраси.* Ғ. Ғулом.

ЁРИ(Й) [*ф.* یاری – мадад] *эск. кт.* Кўмак, ёрдам. *Ёрий бермоқ.* ▬ *Офтоб ойим қариндошларидан жонкуяр деб танилган киши Кумушбибининг тоғаси Аҳмадбек бўлиб, у ҳам умрининг кўпини Қўқондами, Хўжанддами ўтказар, шунинг учун ундан ёрий кутиш ҳам узоқ гап эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЁРИЛМОҚ 1 Ёрмоқ 1, 2 фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Тўнкаларни кавлаб, бир чеккадан ёрилса, талай ўтин беради* [*деди Мирзакаримбой*]. Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **портламоқ.** *Бомба ёрилди.* ▬ *Ҳавода пулемётлар тариллади, снарядлар ёрилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Яқин жойда мина ёрилиб, Аҳмедовнинг елкаси яраланди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

3 Бир неча қисмларга бўлинмоқ; тилинмоқ; синмоқ, шикастланмоқ. *Шиша ёрилди. Бош ёрилди.* ▬ *Ишдан, совуқдан ёрилган қўллари қамчини базўр тутар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Умар билаги синиб, боши ёрилиб, тупроқда беҳуш ётарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

4 *кўчма* Дардини айтмоқ, ҳасрат қилмоқ, очилмоқ. *Ҳаёт булоқ бошидаги рози дилдан кейин онасига ёрилган, йиғлаб туриб, истакларини айтган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен унинг ёрилгиси келиб, тўлиб турганини сездим-да, ёнига чўккаладим.* О. Ёқубов, Излайман.

Ер ёрилмади-ю, ерга кирмади Қаттиқ хижолат бўлди. *Хадича буви ёнидаги хотинлар олдида ёмон ўсал бўлди, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўтирганлар хохолашиб кулиб юборди. Назарбой ер ёрилмади, ерга кирмади.* «Ойсулув». **Тарс ёрилмоқ** 1) қаттиқ сиқилмоқ. *Йўқ-йўқ, бобожон, ишсиз қолсам, ичим тарс ёрилгудай бўлаверади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *-Шунга ҳам дилисиёҳликми, — деди директор, — менинг ўрнимда бўлсангиз, тарс ёрилиб кетаркансиз-да.* «Муштум»; 2) кучли оғримоқ. *Бошим тарс ёрилиб кетай деяпти* [*деди Саломов*]. «Шарқ юлдузи».

ЁРИМОҚ 1 Ёруғ, равшан бўлмоқ; чароғон бўлмоқ. *Шам нуридан хона ичи ёриди.* ▬ *Ўрданинг чароғчиси дарбоза яқинидаги машъала ёғочига ўт бериб, бутун ўрда ичи ёриб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёришмоқ (тонг ҳақида*). Субҳ азони айтилиб, секин-секин тонг ёриб борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ичига чироқ ёқса, ёри(ш)майди Дарддунёси қоронғи, ўта хафа. *-Шу чоқда ичимга чироқ ёқсалар ҳам, ёримайди-да*! *— деди ва кўзига жиқ ёш олди [Офтоб ойим].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Иқболхон, икки ҳафта бўлибдики, ичига чироқ ёқса, ёришмайди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. **Кўзи ёриди** 1) таниди, билди, англади. *Кўзимиз ёриди: кўрдик оламни, Шунчалар жамоли бор экан ернинг.* Ғ. Ғулом; 2) туғди. *Аёл тун бўйи азоб чекиб, тонготарга яқин кўзи ёриди* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аксига олиб, кампири кўзи ёриган келининикига кетган.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ЁРИТКИЧ 1 Ёруғлик берувчи, ёритувчи (сайёралар, осмон жисмлари ҳақида). *Яна минг йиллардан сўнг ёриткич атрофида сайёравий туманлик ҳосил қилади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Чироқ. [*Метро*] *Станциянинг шифти улкан космосни эслатади. Ёриткичлар олис-олис юлдузларга ўхшайди.* Газетадан.

ЁРИТМОҚ 1 Ёримоқ фл. орт. н. *Баланд осилган қирқинчи чироқнинг ёруғи чоғроқ уйнинг бурчакларигача ёритган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Биринчи бомба колхоз отхонасига тушиб, аланга бутун қишлоқни ёритди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Ёзиб баён қилмоқ, тасвирламоқ, моҳиятини очиб бермоқ. *Қишлоқ ҳаётини ёритмоқ.* ▬ *Ғулом Ёқубовнинг қаҳрамонлик тафсилоти шу кунгача етарли даражада ёритилгани йўқ.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бобур хорижий эллар сафарига чиққанда, замин*

ва маъдан ҳақидаги маълумотларини, қисқа бўлса-да, ёритишга уринди. «Фан ва турмуш».

ЁРИТҚИЧ *қ.* **ёриткич.**

ЁРИШМОҚ I **1** Ёруғ бўлмоқ, ёримоқ. *Кун ёришди.* ▬ *Ҳамма ёқ сутдек ёришди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Тонг аллақачон ёришиб, кўчалар одамга тўлган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Офтоб яна ёришди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

2 *кўчма* Хурсандлик, шодлик аломати пайдо бўлмоқ (юзда ва кўзда). *Мурзин худди шу сўроқни кутиб тургандек ёришиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *-Ҳа-а, Жўрахон! — деди бирдан ёришиб Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Енгил тортмоқ; тузалмоқ, соғаймоқ. *Қутидор қизнинг пешонасини ушлади: -Эй-ҳа.. Кумуш, ҳали иссиғинг бор, — деди у. —Ўзингни тежа, қизим, ўрнингни қалин қилиб, бурканиб ёт, терласанг, ёришасан, қизим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Жўрабек*] *Душанба, сешанба кунлари сафро ташлаб, руҳи ёришган кишидек анча енгил тортди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

Кўнгли (*ёки* **дили, чеҳраси) ёришмоқ** Кайфияти кўтарилмоқ; хурсанд бўлмоқ. *Унинг* [*Саодатхоннинг*] *кўнгли ёришиб, қадами дадиллашди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Тўра овқатни иштаҳа билан ичар экан, кўнглига келган бир фикрдан дили ёришиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Таълат Гавҳарни эслади-ю, чеҳраси ёришиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЁРИШМОҚ II **Ёрмоқ** фл. бирг. н. *Ўтин ёришмоқ.*

ЁРИҚ 1 *сфт.* Ёрилган, дарз кетган. *Ёриқ қовун.*

2 *от* Дарз кетган, ёрилган жой; тирқиш, оралиқ. *Девор ёриғи.* ▬ *Қозонга ёпилган тувоқнинг ёриқларидан буғ кўтарилади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ернинг ёриқларидан вашиллаб газ чиқиб, ёниб ётибди.* П. Қодиров, Эрк.

ЁРЛАШМОҚ *фольк.* Ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ. *Комил бўлиб, элга кўп аралашди, Иш ўрганиб, бир нечага ёрлашди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ЁРЛАҚАМОҚ 1 Қўллаб-қўлтиқламоқ, мадад бермоқ. *Қуёш тангриси бизни ёрлақаса, шаҳаншоҳи Эрон аскарлари, қуршовда қолган жайронлардай, қочгани жой тополмай қолғайлар.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Аваз илгари юзлаб ғазаллар, мухаммасу қасидалар ёзган, баъзи абётини Табибийдек забардаст шоир ҳам мақтаган, шоҳбайт деб улуғлаган, Феруз ёрлақаб, инъомлар берган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Афв этмоқ, кечирмоқ, гуноҳидан ўтмоқ. *Бир-икки дақиқали фикрдан сўнг Отабекнинг: «Сиз менинг бу хатимни ўқиб, гуноҳларимни ёрлақаб турган кезларингизда, албатта, мен Марғилон йўлида бўлсам керак..» жумласини кўздан ўтказди-да, Содиқдан сўради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Худо ёрлақади *дин.* Худо дилига солди, худо марҳамат кўрсатди. *-Хайрият, хайрият, Абдурасул! — деди Олахўжа, охири бошини кўтариб, — сенинг ҳам қадаминг биз томонга тушар кун бор экан. Нечук худо ёрлақади!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁРЛИҚ 1 *тар.* Бирор амал, унвон, суюрғол ва ш. к. берилганлиги ҳақидаги расмий ҳужжат; фармон. *Тўранинг хондан икки юз таноб ерга ёрлиқ олгани бежиз эмас.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сарой битикчиси — белбоғига қаламдон қистирган, кўк салла ўраган йигит — Чингизнинг тожик тилида ёздирган ёрлиғини ўқиб эшиттирди.* М. Осим, Ўтрор.

2 Бирор саноат маҳсулотига, унинг номи, миқдори, ишлаб чиқарилган жойи ва ш. к. маълумотлар ёзиб, бириктириб, ёпиштириб қўйилган қоғоз парчаси. *Фабрика ёрлиғи. Багаж ёрлиғи.* ▬ *Ёрлиғини ўқисак, ўзимизнинг кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмамиз маҳсулоти экан.* «Саодат».

3 *кўчма* Номаъқул, салбий сифат; лақаб, ном, «тамға». *Нигора туҳмат гапларга ишонади: Шербек унинг учун бевафо, бурдсиз.. Ким билади дейсиз, унга яна қандай ёрлиқларни ёпиштирди экан.* С. Анорбоев, Оқсой. *Яқин пайтларгача боболаримиз кураши "миллатчи" "ватан хоини" деган ёрлиқлар ниқоби остида талқин қилинди.* «Фан ва турмуш».

Фахрий ёрлиқ *қ.* **фахрий 2.**

ЁРМА 1 Оқлаб туйилган бутун дон, оқланган ғалла маҳсулоти. *Буғдой ёрмаси.* ▬ *-Янгамга айтсангиз, буғдой бошоқларидан бир оз синдириб олиб, тўқмоқлаб, ёрғучоқда ёрма тортса бўлмайдими? — деди Сафар.* С. Айний, Қуллар.

2 Шундай маҳсулотдан тайёрланган овқат. *Сурхонбой.. мусофирларга атаб оқшомда чиқарилган бирор коса ёвғон увра ёки ёрма билан кун ўтказади.* И. Раҳим, Тақдир. *У* [*Абу*

Сирож] *эрталаб уйидан ним пиёла ёрма атала ичиб чиққан эди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЁРМОҚ 1 Чопиб, кесиб, бўлакларга ажратмоқ, бўлмоқ. *Тўнка ёрмоқ.* ▬ *Кимдир қарс-қарс ўтин ёради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Азонда отни миниб, тоққа жўнадим. Тоғамни ўтин ёраётган ерида топдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 Кесмоқ, тилмоқ. *Ойи, нима қилай, сўзимга ишонмасангиз, пичоқ билан кўксимни ёриб кўрсатайми?* Ойбек, Танланган асарлар. *У қўлини бўшатган чоқдаёқ Отабек.. Ҳомиднинг қорнини шир эттириб ёриб юборган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Чақа қилмоқ; дарз кеткизмоқ. *Тухумни ёрмоқ. Кичкина тош бош ёрар.* Мақол. ▬ *Отам, ўйин қизиғида ютқазишга ютқазиб қўйиб, кейин ўзини урди, пешонасини ёрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 -иб қўшимчали равишдош шаклида «ўтмоқ», «кирмоқ», «чиқмоқ» феъллари билан келиб, қаршилик, тўсиқ, ғов ва ш. к. ни енгиш маъносини ифодалайди. *Тўдани ёриб кирмоқ. Қуршовни ёриб чиқмоқ.* ▬ *Миршаблар орасидан учта ёш бола ёриб ўтиб, мингбошининг кимхоб тўнига, оёғига осилди.* М. Исмолий, Фарғона т. о. *Норжон билан Элмурод у ёқдан-бу ёққа типирчилаб, олдинга ёриб ўтмоқчи бўлишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Дардини (*ёки* **кўнглини) ёрмоқ** Сирини айтмоқ; мақсади, ниятини баён қилмоқ. *Дардлиман, дардимни кимга ёраман? Айрилиқ ўтида бағри пораман.* «Алпомиш». *Аваз анча ўтириб, кўнглини ёрди: -Оға, ўн кунча бўлди, қўлимга қалам олмадим.* С. Сиёев, Аваз. **Димоғини ёрмоқ** Бадбўй ҳиддан кўнгли беҳузур бўлмоқ. *Мурдалар ётмайди музли кўлларда, Димоғни ёрмагай бадбўй қон иси.* Миртемир. *Димоғларни ёради мурдалар иси.* Ғайратий. **Пих(ини) ёрган** *қ.* **пих 1**. **Тилни ёради** Таъми ниҳоятда ширин. *Куз. Боғлар тилларанг. Узумлар тилни ёради.* Ё. Шукуров, Уч савол. *Олинглар, бирам ширин чиқдики жонивор, тилни ёради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тиш ёрмоқ** 1) тиш(и) чиқмоқ; 2) айтиб қўймоқ; сирни очмоқ. *-Хўп, майли, айтсам айтай, аммо ҳеч кимга тиш ёрмаслик шарти билан, — дедим мен ниҳоят рози бўлиб.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. *Бу тўғрида қўшнимизга тиш ёрган эдим, у: -Битта, яримтасини ёғламапсиз-да, — деди.* «Муштум». **Юракни ёрмоқ** Қаттиқ қўрқитмоқ, чўчитмоқ. **Қилни қирқ(қа) ёради** *қ.* **қил**. **Қорнини ёрсанг, алиф чиқмайди** *қ.* **алиф.**

ЁРОН [*ф.* یاران — дўстлар] *кт.* Яқин кишилар, дўстлар. *Эй ёронлар, биродарлар, Дунёдан армонли кетдим.* «Оқ олма, қизил олма». *Отамурод қори ҳам, дар қатори ёрон дегандай, Камолий тахаллуси билан ғазал битарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁРОНГУЛ 1 Ёронгулдошлар оиласига мансуб бир ёки кўп йиллик ўт, чала бута; манзарали ўсимлик. *Саноат ва медицинада ҳар хил гиёҳлардан тобора кенг фойдаланилмоқда. Масалан, ёронгул, торон, оқ томир ўсимликлари тери ошлаш саноатида муваффақият билан ишлатилаётир.* Газетадан. *Деразанг рахида ёронгул ўсар, Мен сени соғиндим.* Х. Даврон, Қақнус.

2 Ёронгул (хотин-қизлар исми).

ЁР-ОҒАЙНИ *айн.* **ёр-биродар**. *-Катта-катта сарф қилдик, қавму қариндош, ёру оғайниларга совға-саломлар қилдик, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У* [*Элмурод*] *кун сайин ака-ука, ёр-оғайнига айланиб бораётган кишилар орасида ўзининг бегоналигини унута борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁРТИ *эск.* Ярим, яримта; чала. *Икки ёрти — бир бутун.* Мақол. ▬ *Тўғонбек гўё эшитмагандай, бир қанча вақт отнинг у ён-бу ёнига ўтиб, пардозлаб, сўнг пўнғирлади: -Иш ёрти қолмасин, қари шайтон.* Ойбек, Навоий. *Ёрти эмас, тўкис — бут Ғазналар, дунёлар бор.* Миртемир.

ЁРУҒ 1 Ёниб, қизиб турган нарсадан тарқалган ёғду, нур. *Шам ёруғи.* ▬ *Ғуломжон ўчоқдаги ўт ёруғида қомати хирагина кўриниб турган дўстини бориб қучоқлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Элмурод палаткага кирди. Палатка шам ёруғида эртакларда учрайдиган гўзаллик ва файз кашф этган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Нур тушиб турган; равшан, чароғон. *Кўчалар ёруғ. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ.* Мақол. ▬ *Уй ёруғ эди. Сергей стол лампасини ўчирмай ухлаб қолганди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 *кўчма* Бахтли, нурли, ёрқин. *Фотима дунёга келиб, ўзи билан шу қадар меҳрибон, хушмуомала гаплашадиган одамлар борлигини, уларнинг бирдан-бир мақсадлари уни озод қилиб, ёруғ йўлга бошлаш эканини англади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу кўз ёшларини ғам ва*

ҳасрат эмас, аксинча, ўша ёруғ ҳислар туғдирган эди. О. Ёқубов, Ота изидан.

Ёруғ дунё 1) ер юзи, олам, тириклик дунёси. *Ёруғ дунёнинг лаззати — рўзғор билан фарзанд.* И. Раҳим, Ихлос. [*Ғофир:*] *..Бу ёруғ дунёга нима учун келдик*? Ҳамза, Бой ила хизматчи; 2) озод, бахтли ҳаёт, рўшнолик. **Ёруғ жаҳон** *айн.* **ёруғ дунё 1.** *Ҳозирча Феруз бу ёруғ жаҳондан, бу тожу тахтдан кўнгил узишни ўйлагани ҳам йўқ.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ёруғ кун** Бахтли кун, дақиқа. *Сен ҳам келадиган ёруғ кунлар бор экан, айланай болам*! М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ёруғ юлдуз** 1) катта, кучли нур сочувчи юлдуз. *Зулфиқор Бадиадан қанча узоқлашиб кетса, у ёруғ ёлдуздек шунча ярқираб кўрина бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) машҳур, танилган киши. *Аввал устод Табибий ёш шоирнинг нуктадонлигини обдан мақтади, истиқболдан башорат қилди, ҳазрати олийларининг.. муборак саройларига Аваз отлиғ бир ёруғ юлдуз бош уриб келганлигини сўзлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Кўзига (***ёки* **унга) ёруғ дунё қоронғи (бўлди***)* Кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди; кўнгли ғаш, қаттиқ хафа. *Азизбек кўзига ҳозир ёруғ дунё қоронғи, бу қоронғилик ичида бояги ширин хаёллар.. кўринмай қоладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юзи ёруғ** *қ.* **юз.**

ЁРУҒЛАШМОҚ Равшан бўлмоқ, равшанлашмоқ. *Аҳмаджон-старшина шифтга осиғлиқ фонарь пилигини кўтариши билан, вагон ичи ёруғлашди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Кун ҳаддан ташқари ёруғлашиб кетганди.* «Ёшлик».

ЁРУҒЛИК 1 Ёғду, нур; равшанлик. *Ёруғлик тезлиги (физ.).* ▬ *Бироқ ҳужранинг ичи оқшом каби қоронғи, даҳлиз орқали тушган ёруғлик ҳужрани ёритишга кифоя қилмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Озод, бахтли ҳаёт; рўшнолик. *Қоронғи кун мангу бўлмас. Ёруғликка чиқиб кетамиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Оқработга кетадиган катта йўл яқинида умрбод ёруғлик учун курашувчилар ўтирибди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Ёруғлик йили Ёруғлик нурининг бир тропик йилда ўтадиган йўлига тенг ўлчов бирлиги. *Ўн миллион ёруғлик йили ҳазилакам масофа бўлмаса керак?!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. **Ёруғлик чиқмайди** Бирор кишига фойдаси тегмайди. *Бобур мирзонинг табиати покиза, кўнгли тийрак эканини кўп одам билар экан. «Атрофдаги подшолардан яхшилик чиқмаса ҳам, Бобур мирзодан бир ёруғлик чиқар», деб умид қиламан* [*деди Тоҳир*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Ёруғликка чиқмоқ** Бахтли, озод ҳаётга эришмоқ. *Ҳуррият эълон қилинганига саккиз-тўққиз ой ўтаётган бўлса ҳам, меҳнаткаш ёруғликка чиқмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЁРУҒСЕВАР Ёруғликни яхши кўрувчи. *Бодринг — иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ЁРШ Унча катта бўлмаган, сузгичи тиканакли дарё балиғи. *Денгиз оти ва ёрш каби бир қанча балиқлар илонга ўхшаб пўст ташлайди.* «Фан ва турмуш».

ЁРҚАНОТ *шв.* **1** Кўршапалак. *Хўроздан «тонг отишини нимадан биласан?» деб сўралса, «ёрқанотнинг чийиллашидан биламан», деган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Тунда учадиган ва ёруғлик атрофида тўпланадиган майда ҳашарот. *Полвон ёстиқни бағрига тортиб, чироқ атрофига йиғилган ёрқанотларга тикилиб қолди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЁРҚИН 1 Ёруғ, ёғдули, нурли; тиниқ. *Ёрқин кун.* ▬ *Қуёш чиқиб, анҳор ёқасидаги толларни олтинлатган, тоза, ёрқин ҳаво кўзни қамаштиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёрқин кўклам кунларининг бирида Ўтап жамоадан уйига одатдагидан барвақтроқ қайтиб, эртаси кун мактаб очилишини хабар қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Аниқ, равшан, яққол. *Аҳмад Ҳусайн узоқ сўзлади, деҳқонларнинг ҳаётини ёрқин, чуқур тафсилли ҳикоя қилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳамид Олимжоннинг бутун ижодида кишилар образи ёрқин талқин этилган.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Романда шаҳар тасвири ҳам.. тоғ қишлоқларининг гўзал манзаралари ҳам ёрқин ифодаланган.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 *кўчма* Бахтиёр, бахтли; нурафшон. *Ёрқин ҳаёт.* ▬ *Ҳаёт ҳар қачондан кўра кўркам ва ёрқин эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бундан ташқари, у тотув ва соғлом ишчи оиласида ўсиб, кўп ёрқин дамларни бошдан кечирган, шунинг учун ҳам қиёфаси нурга сероб эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Таъсирчан, эсда қоларли; ўлмас, ўчмас. *У* [*Юсуфжон қизиқ*] *ўзининг ёрқин ва ўзига*

хос таланти билан ўткир ҳажв ёрдамида бахтли ҳаёт қуришда ўзбек халқига тўсқинлик қилган кучларни қаҳр-ғазаб билан фош қилди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Жўрахоннинг қаҳрамонлиги, жасорати, ёрқин хотираси, ишлари қалбларда, ҳаётда абадий қолади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 Ёрқин (эркак ва хотин-қизлар исми).

ЁРҚИНЛИК Ёруғлик; равшанлик, тиниқлик. *Ҳар сафар хаёлимда унинг портретини чизмоқчи бўлганда, кўзни қамаштирувчи ёрқинлик кўринар, портрет тафсилотлари гўё шу нурга чўмиб, кўринмай кетарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЁРҒИ I *шв. фольк.* Жарима. *Олиб бориб хон Даллининг отаси, Беш юз тилла мени ёрғи айлади.* «Равшан». *Шу кеча ёрга бориб тутилганим, Минг танга ёрғи бериб қутулганим.* «Қўшиқлар».

ЁРҒИ II *шв.* Арра.

ЁРҒОҚ I *тиб.* Мояк халтаси, моякдон. *Эмбрионда мояк қорин бўшлиғида.. пайдо бўлади ва туғилиш даврига келиб, ёрғоққа тушади.* «Саломатлик».

ЁРҒОҚ II Туки йўқ, туксиз. *Аббосов ўшаўша, боши ёрғоқ, юзи юмалоқ, ўзи қип-қизил, бурун тагидаги капалак мўйлови, жилмайганида учиб кетадигандек туюлар эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Унинг Алпомишга энчи бир тарлон бияси бор эди. Бир ёрғоқ қулун туғди, бу тулпор, деб Бойбўрига олиб келиб берган эди.* «Алпомиш».

ЁРҒУЧОҚ Дон янчиш ва ун қилиш учун ишлатиладиган хонаки асбоб; қўлтегирмон. *Мирсаид йигитча бўлиб, отаси ёнига кирди. Тирак бўлди: лой ийлаб, чарх тепди, ёрғучоқ тортди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. *-Янгамга айтсангиз, буғдой бошоқларидан бир оз синдириб олиб, тўқмоқлаб, ёрғучоқда ёрма тортса бўлмайдими? — деди Сафар.* С. Айний, Қуллар.

ЁСИН [*а.* ياسين — араб алифбосидаги ى (ё) ва س (син) ҳарфлари номидан] Қуръоннинг 83 оятдан иборат 36-сурасининг номи. *У* [*Зулфиқор*] *бир лаҳза шам ёнида турди-да, ичида ёсинни ўқиб, ўзига дам солди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЁСМИН [*ф.* یاسمن] *айн.* **ёсуман.**

ЁСТИҚ 1 Бош остига қўйиб ётиш, ёнбошлаш, суялиш учун ишлатиладиган юмшоқ буюм; болиш. *Пар ёстиқ. Духоба ёстиқ.* ■ *Адолат бошини кўтараман деди-ю, кўкрагини ғижимлаб, бошини қайта ёстиққа қўйди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Чол индамади. У ёстиққа суянганича, анча вақт сукутга кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *махс.* Бинокорликда: хари, тўсин ёки сарров остига қўйиладиган ғўлача, ёғоч.

Бир ёстиққа бош қўймоқ Бирор киши билан турмуш қурмоқ; эр-хотин бўлмоқ. *Икки жинс бир ёстиққа бош қўйиш билан.. ўтмиш ва келажак наслни бир-бирига боғлайдиган ҳалқа вужудга келтиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Боши ёстиққа тегмоқ** Касал бўлиб ётиб қолмоқ. *Осонми, киши нима бўлишини билмайди, боши ёстиққа тегиши бор.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. **Бошингга ёстиқ қиласанми?** Бўйи етиб, вақтида узатилмаётган қиз ҳақида айтиладиган ибора. *Қиз етилгач, уни эгасига топшириш керак! Бошингга ёстиқ қиласанми уни?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ёстиғини қуритмоқ** Ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ. *Андижон зилзиласи минг-минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди, томини қулатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аблаҳ фашистлар не-не йигитларнинг ёстиғини қуритмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЁСТИҚДОШ Бир ёстиққа бош қўйган, бирга турмуш қурган эр ёки хотин. *Маманиёз ёстиқдоши ўлиб кетиб, Бир ўғилча қолган экан бўйи етиб.* Ғ. Ғулом, Кўкан. *Жаҳон приёмникнинг қулоғини бураб турганда, ёстиқдоши Бахшам ҳовлиқиб кириб келди.* С. Нуров, Дурдона.

ЁСТИҚПЎШ Ёстиқ устига ёпиб қўйиладиган мато.

ЁСТИҚЧА 1 Ёстиқ с. кичр. шакли.

2 *махс.* Турли хил муҳрларга сиёҳ юқтириш учун ишлатиладиган, сиёҳ шимдирилган буюм. *Рўйхатни имзолашда одамлар бош бармоқларини сиёҳ шимдирилган духоба ёстиқчага ишқалаб олиб, сўнгра босиб, из туширар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁСУМАН [*ф.* یاسمن — ёсмин, жасмин] **1** Хушбўй, оқ, сариқ, мовий тўп гулли манзарали бута. *Саидий.. боғда ёсуман гуллари, хурмо ва апельсин дарахтлари ўстирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Кетар гул ҳидлари боғдан, видо айт Атиргулга, нилуфар, ёсуманга.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик.

2 *кўчма* Ҳийлагар, маккор аёл. *У* [*Асолат фолбин*] *ҳам макр билан содда кишиларнинг эҳсонини олишга муккасидан кетган ёсуман.* Газетадан.

ЁТ **1** Қариндошлиги йўқ; бегона. *Ёт одам. Қадр билмас қариндошдан қадр қилган ёт яхши.* Мақол. ▬ *Хиёл муддат ўйчанликдан сўнг Севаргул секин қўлини тортиб: -Касалманд хотини, бир қизи, бир ўғли, ёсуман кампирдек ёт онаси борлигини ўзидан эшитган эдим, — деди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Улар* [*Жапақ ва Сулув*] *энди бир-бирига ёт.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Етти ёт бегона Мутлақо қариндошлиги йўқ, нотаниш. *Етти ёт бегона, аммо шу маҳаллалик Маҳмуд тақачининг бу гаплари ёш Ҳакимжонни ўйлантириб қўйди.* Р. Файзий, Раянинг арчаси.

2 Таниш бўлмаган, нотаниш, бегона; ўзга, чет. *Отабек ўзи билан кўришган бундаги иккита ёт кишини танимаганликдан бирбир қайта қараб, уларни кўз остидан кечирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *қ. х.* Ёввойи, бегона. *Бўйи ердан тўрт бармоқ кўтарилган ғўза ораларига ёйилган хотин-қизлар.. пахта ораларидаги ёт ўтларни термоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар.

ЁТ-БЕГОНА *айн.* **ёт 1.** *«Ие, эртагаёқ ётбегона кишининг эшигига бориб ишлайманми?» деган қўрқув уйқумни қочириб юборган эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ЁТАЛОҚ Ҳадеб ётаверадиган, кўп ётадиган. *Гўрўғли Чамбил қалъасига қараб кетиб бораётган эди, Чамбил қалъасига бир чақирим йўл қолганда, Гўрўғлининг тагидаги минган отига кинна кириб, ёталоқ бўлиб қолди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

ЁТАР-ТУРАР Яшаш шароити; кун кечириш. *Сўнг хизматкор аёлни чақириб: -Ўшдан келган бу қизимни ўз хонангга олиб, ётар-тураридан, еяр-ичаридан хабардор бўлиб тур, — деб кўчанинг нариги юзидан қўрғонга ўтказиб юборди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ЁТАҒОН *қ.* **ёталоқ.** *"Юки енгил эшак ётағон бўлади", деб бурунгилар хўп топиб айтган экан-да.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЁТИНҚИРАМОҚ Бир оз қийшайиб, эгилиб қолмоқ. *Буғдой поялари ётинқиради..*

ЁТИШМОҚ Маъқул тушмоқ. *Тўйбеканинг шунингдек ҳангамалари бошқа вақтларда Кумушни яхшигина кулдирса ҳам, ҳозир унга ётишиб келмади шекилли, аччиғланган кўйи, ётиш учун уйига кириб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЁТИҚ **1** *айн.* **горизонтал**. *Ётиқ чизиқ.*

2 Бирор томонга қийшайган; қия. *Ётиқ соҳил. Ётиқ ўсган дарахт.* ▬ *Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғуной тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Навоий қилични ҳасса каби тутиб, ётиқ тепадан илдам пастга тушди.* Ойбек, Навоий.

Ётиғи билан Кишининг асабини қўзғамайдиган даражада, мулойимлик ва оҳисталик билан (муомала ҳақида). *Ётиғи билан тушунтирмоқ.* ▬ *Асалбиби, қизим енгиллик қилиб, қариндош олдида яна шовқин кўтармасин, кейинча ётиғи билан сўзлашиб кўрарман, деб воқеани яширган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Зокир ётиғи билан ҳар қанча гапирса ҳам, фойдаси йўқлигини сезди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЁТЛАШМОҚ Бегона бўлмоқ, бегоналашмоқ. *Бола ётлашди.*

ЁТЛИК Бегоналик, бир-бирига нотанишлик. [*Пирназар полвон билан Турғунбой*] *Анчагача жим кетишди. Лекин ораларидаги бояги ётлик бир қадар йўқолган, бир-бирига мойиллик пайдо бўлган эди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЁТМОҚ **1** Танани ерга (каравот, тўшак ва ш. к. га) бериб чўзилмоқ, узала тушмоқ. *Ерга ётмоқ. Ўт устига ётмоқ.* ▬ *Йўлчи қуруқ наматга ётиб, устига кўрпача ёпди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳасанали секингина дарича остига ётиб, ҳужра ичига қулоқ солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У келганда, Қурбон ота ўрнида ёнбошлаб ётар, Махсум ухлаб қолган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кимдир чалқанча ётиб инграрди, ёрдам сўрарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Жойни банд қилмоқ, жойлашмоқ. *Китоб стол устида ётибди.* ▬ *Танчанинг устида бойнинг садаф тасбеҳи, кўзойнаги ётар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Сақланмоқ; турмоқ. *Кўйлак сандиқда ётибди.* ▬ *Енгларининг тахидан бу кўйлакнинг нафталин ҳидини сингдириб, аллақаерда узоқ вақт ётгани билиниб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Тунамоқ, ухламоқ. *Бола бешикда ётади.* ▬ *Юринг, опажон, бугун бизникида ётинг* [*деди Рўзимат*]. А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари. *Ҳали ётмоққа вақт эрта эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Касал бўлмоқ, тоби қочмоқ. *Бемор узоқ ётди.* ▬ *Эшитдингизми, улуғ афандимнинг*

тоби қочиб қолибди. Боёқиш қаттиқ ётган эмиш. С. Аҳмад, Ҳукм. *Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг дард-фироқида куйиб, ётиб қолибдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Ҳибсда бўлмоқ, қамалмоқ. *Ётиб чиқмоқ.* ▬ *Қани у* [*Йўлчи*], *севикли ака, қаерда, қайси зиндонда ётади*?! Ойбек, Танланган асарлар. *Мирза Муҳиддин томонидан эҳтиёт чораси кўрилганича, бир йилдан ортиқроқ сўроқсиз ётди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

7 *с. т.* Тўхтамоқ, тўхтаб қолмоқ, ёпилмоқ. *Соат ётди. Трамвай-троллейбуслар ётган.* ▬ *Самовар ётган, бир чол чойнак-пиёла артар, ҳовуз бўйидаги супада кимдир хуррак отиб ухлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 Равиш ва равишдошлар билан бирикиб, иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг доимий, давомий эканлигини билдиради, мас., *бекор ётмоқ, осилиб ётмоқ, ишлаб ётмоқ, қаровсиз ётмоқ.* ▬ *Уч хонали уй бўм-бўш, ҳувиллаб ётарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Бу эълонлар олдида турли касбдаги одамлар уймаланиб ётади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Ётиб емоқ Бирор жойда ишламай, пул топмай, ўз жамғармасини харжлаб яшамоқ. *Ётиб еийшга тоғ ҳам чидамайди.* Мақол. **Ётиб қолмоқ** 1) ухламоқ. *Карим акасиникида ётиб қолди;* 2) тўхтамоқ. *Одатда эрта билан ва кечқурун бозори бир оз қизийди-ю, туш пайтида савдо-сотиқ ётиб қолади.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси; 3) даволанмоқ. *Меҳри касалхонада узоқ ётиб қолди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. **Ётиб қолгунча, отиб қол!** Охирги кучингни ҳам ишга сол, фурсатни қўлдан бермай, ҳаракатингни қил, маъносида ишлатиладиган ибора. *Безори ўз манфаати йўлида ҳамма нарсадан кечадиган йигит бўлгани учун, ётиб қолгунча, отиб қол, қабилида иш кўрмоқчи бўлди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. **Тиқилиб ётибди** Тўлиб-тошиб кетган, жуда кўп. *Ваҳолонки, республикамиздаги барча савдо базаларида этик тиқилиб ётибди.* Газетадан.

ЁТОҚ 1 Ётадиган жой, ўрин, хона. *Ётоғинг бўлсин гулдек, Ўзинг тур ёруғ кундек.* Қ. Муҳаммадий. *Кулди гўзал тонгнинг юзи, Қушлар турди ётоғидан.* Ғайратий.

2 Ташкилот, муассаса ёки ўқув юртининг ўз ходимлари, ўқувчи ва талабалари учун қурган ва улар яшайдиган бино. *Улар ётоққа боришди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ўлмас ихтиёрсиз қулоғини ушлаб, секин ётоққа томон бурилган эди, Мурод тўхтатди.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

ЁТОҚДОШ Бир ётоқда бирга яшовчи, бирга яшаган. *Борди-ю, мулла Бозор у сирларни ўзининг ётоқдоши ва бирдан-бир яқин дўсти бўлган мулла Туробга айтган бўлса-чи?* С. Айний, Эсдаликлар. *Ўз фикрларини ётоқдош дўстлари билан ўртоқлашган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁТОҚИ *айн.* **ётағон.**

ЁТОҚИЛАМОҚ *айн.* **ётоқчиламоқ.**

ЁТОҚХОНА 1 Ётадиган хона. *У* [*Раҳим*] *трубкани қўйиб, ётоқхонага кирди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 *айн* **ётоқ 2**. *Ғулом копток қилиб ўралган этагини осмонга отиб, ётоқхонага кириб кетди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Шофёр алламаҳалда мени ётоқхонага олиб бориб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁТОҚЧИЛАМОҚ 1 Оғир юк, узоқ йўл юришдан ҳориб, ҳадеб ётавермоқ, тез-тез ётмоқ. *От ётоқчилади.*

2 *кўчма* Ишламасдан ўзини турли томонга урмоқ. *Шофёрмисан, ишинг — рул бураш, хўжайиннинг буюрганини қилиш. Қирчанғи отдек ўзингни у ёқ-бу ёққа ташлайсан, ётоқчилайсан.* М. Мансуров, Ёмби.

ЁТСИНМОҚ *шв. айн.* **ётсирамоқ**. *Боғчадан келган болалар уйдаги меҳмон болани кўриб, унга бир оз ётсиниб тикилиб туришди-да, кейин яқинроқ келиб, унинг овқат ейишини томоша қилишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЁТСИРАМОҚ Ўзини бегона тутиб, тортиниб, аралашмай турмоқ. *Қизча ётсираб, қовоғини солиб, тескари бурилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қодиржон аввал ётсираб турди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Энди кучук менга у қадар ётсираб қарамади.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ЁТҚИЗИЛМОҚ Ётқизмоқ фл. мажҳ. н. *Тўрга Кумуш ётқизилган, унинг оёғи томонида Ўзбек ойим чақалоқни кўтариб ўтирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қор куралди, ерга тахта ётқизилди.* Ойдин, Мардлик-мангулик. *Машина тош ётқизилган кенг кўчадан шағал тўкилган йўлга чиқди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЁТҚИЗИҚ *геол.* Сув ёки шамол кучи билан ҳосил бўлган тоғ жинслари қатла-

ми. *У [Қизилтепа]нинг жануби-ғарбий қисмини эса Зарафшоннинг ёш ётқизиқлари кўмиб юборган.* М. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

ЁТҚИЗМОҚ 1 Ётмоқ 1 фл. орт. н. *Беморни ётқизмоқ.* ▬ *Қодир уйга кирди. Хотини боласини аллалаб ётқизмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *[Бектемир] Қорнидан яраланган жангчини шинелга ётқизиб, судраб кетаётган ҳамширага ёрдамлашди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тўшамоқ, солмоқ. *Совуқ тушса, қоришма қотиб қолиб, бетон ётқизиш қийин бўлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁХУД [*ф.* ياخود – ёки] *кт.* Ёки, ё. *Бирикки шеър ёхуд бир драма асар ёзиб, адабиётнинг бутун масаласини тушунаман, деб даъво қилувчи кишилар ҳам йўқ эмасди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЁШ I **1** Қаттиқ оғриқ, қайғу ёки кучли севинч-шодлик ва ш. к. натижасида ёш безларидан ажралиб чиқадиган тиниқ шўр суюқлик. *Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш келар.* Мақол. ▬ *Ҳаётнинг ўнг ёноғига бир томчи иссиқ ёш тўкилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Бас, Ўроз, кўзимни кўр қилди тутун, – Йўлчи юм-юм ёш тўкиб, ачишган кўзларини ишқалаб, туртина-туртина, эшикни тепиб очди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Келар йўлинг супурай сочим билан, Чанги чиқса, сув сепай ёшим билан.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

Кўз ёши Йиғи. *Шакаржон дугонасининг ёнига чўкди: -Йиғлама, кўз ёшидан фойда йўқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Кўз ёши қилмоқ** Йиғламоқ. **Кўзига ёш олмоқ** Йиғламсирамоқ. *Офтоб ойим уни қучоқлаб, юзидан ўпди ва кўзига ёш олди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳамма: биров билинтириб, биров билинтирмай, кўзига ёш олди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Кўз ёши(ни) тўкмоқ** Йиғламоқ. *Зайнаб сўзини битира олмади, четга қараб, кўз ёшини тўкди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Йиғи; нола. *Золим бойлар мазах қилиб куларди, Раҳми келмай муҳтожларнинг ёшига.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ЁШ II **1** *от* Туғилган вақтдан бошлаб яшаб ўтказилган йиллар жами; умр узоқлиги. *Ўғлим ўн беш ёшда. Мен йигирма беш ёшда уйландим.* ▬ *Ўттиз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотин ҳарам ходимларидан Гулшанбону эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ёшини яшаб, ошини ошаган Узоқ умр кўрган, қари (одам ҳақида).

2 Инсон ёки ҳайвон ҳаётидаги босқич, давр, умр. *Мактаб ёши. Боғча ёшидаги бола. Ўрта ёш. Катта ёш.* ▬ *Учинчи дарсда.. ўрта ёшлардаги бир қўли чўлоқ, қирра бурун, ияги чўзиқроқ ўқитувчи уй расмини солишни ўргатди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Етти ёшдан етмиш ёшгача Ёшу қари, ҳамма. *-Тўқсонбой гиламфуруш десалар, етти ёшдан етмиш ёшгача – барча жамоат танир эди, – деди домла.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ёши етмаган** Балоғатга етмаган, жуда ёш. *Районга бориб, мени фронтга олинглар, ёшим етмаган бўлсаям бораман.. деб ялинибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ёши ўтган (***ёки* **қайтган, ўзган)** Узоқ умр кўра бошлаган, ўртача ёшдан ортиқ умр кўра бошлаган. *Ҳожи аканинг ёши қайтиб, кўнгли жуда ҳам бўшашиб кетибди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дастлаб ёши ўзганлар, сўнгра ёшу яланглар четланишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Йил. *Энди ўзим ҳам юз ёш умр кўришни истайман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *сфт.* Қари эмас; навқирон. *Ёш одам. Ёш жувон. Ёш келса – ишга, қари келса – ошга.* Мақол. *Ёшдан хато, каттадан узр.* Мақол. ▬ *Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни огоҳлантириб борар, милтиқ, шашвар тутган ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш – икки отлиқ чиқиб келавердu.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Миршаблар орасидан учта ёш бола ёриб ўтиб, мингбошининг кимхоб тўнига, оёғига осилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бу ерга колхоз ёшларининг ҳаракати билан Пастариқдан чиғир билан сув оқизилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 *сфт. кўчма* Етарли тажрибага эга бўлмаган, тажрибасиз. *Ёш ёзувчи. Ёш санъаткор.* ▬ *Табибий ёш Авазлаги иқтидорни дарҳол пайқади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Гуреевга ёш геологнинг бу қадар бийрон ва дадил жавоби ёқмади.* С. Кароматов, Олтин қум.

6 Янги ташкил этилган, янги шаклланган. *Ёш ташкилот. Ёш шаҳар. Ёш оила.*

ЁШАРМОҚ 1 Ёш кўринмоқ; ўзини ёш ҳис қилмоқ. *Гулсара ёшарганга ўхшайди.*

2 *кўчма* Гўзаллашмоқ, обод бўлмоқ *Янги дунё, янгича ҳаёт Завқи билан ёшарди Тошкент.* Ҳ. Ғулом. *Катта Фарғона канали за-*

монавий ирригация иншоотига айланиб, ёшариб бормоқда. «Ўзбекистон қўриқлари».

ЁШДОШ Бир йилда туғилган; тенгқур. *Ёшдош ўртоқ. Хотини ўзи билан ёшдош.*

ЁШЛАЙ *рвш.* Ёш ҳолатда, ёшлигида. *Бу элда гўдаклар ёшлай ўлмайди.* Ғ. Ғулом.

ЁШЛАМОҚ: **кўзини ёшламоқ** Йиғламоқ. *-Болам, мен ҳам сени бахтли бўлсин дейманда,— деди Ҳайдар ота кўзларини ёшлаб.* Ў. Умарбеков, Юрак сўзлари. *Сен кетдинг, мен қолдим кўзимни ёшлаб, Қайдан бориб, қайдан келдинг, чироғим.* «Нигор ва Замон».

ЁШЛАНМОҚ Бирор таъсир (тутун, шамол, касаллик ва ш. к.) сабабли кўзига ёш келмоқ; кўзидан ёш оқмоқ. *Пиёз тўғраган бўлса керак, кўзи ёшланиб турган Тамилла ошхонадан чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [*Ота*] *Оқ халат чўнтагидан рўмолча олиб, кулгидан ёшланган кўзларини артдилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ЁШЛАР 1 Навқирон йигит-қизлар. *Энг яхши спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт зали ҳам қишлоқ ёшлари ихтиёрида.* Газетадан. *Муҳаррирнинг ғоят мутаассиб, яъни прогрессив ёшларнинг ва зиёлиларнинг энг зўр душмани эканлигини ҳам яхши биларди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Ўринбосарлар; дублёрлар. *«Пахтакор» командасининг ёшлари яхши ўйин кўрсатдилар.*

ЁШЛИ I Ёш билан тўлган, ёши оқиб турган. *Ёшли кўзлар.* ▬ *Эъзозхон Қумрига ёшли кўзлари билан тикилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЁШЛИ II Қанчадир ёшга кирган, ёшда бўлган; яшар. *Ўрта ёшли. Йигирма ёшли йигит. Икки ёшли бузоқ.* ▬ [*Бой*] *Йигирма уч ёшли йигитнинг ақлида сира нуқсон кўрмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁШЛИК 1 Ёш эканлик; ёш бўлган пайт, давр. *Аҳмад олти ёшлигида ота-онасидан жудо бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *У ёшлигида ихтисослашган физика-математика мактабида ўқиди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Ўсмирлик, навқиронлик. *Ёшлик чоғлари.* ▬ *Робия ҳам абадий йўқолган беғубор ёшлигига куюниб йиғламоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ёшлигим, куч билан тўлган ёшлигим, Яшноқ давримизга йўлдошлигим.* С. Абдулла.

3 Ёшларга хос хатти-ҳаракат, хусусият. *Ёшлик ғурури.* ▬ *Ёшлик шижоатига кенг йўл бериш лозим.* Газетадан. *Ўрта бўйли, хушқомат вужудидан ёшлик кучи ва ғайрати ёғилиб турган қоп-қора жувон отда.. йўл бўйида турар, Акрамжон ўз отининг айилини қайта боғламоқда эди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Кўзларида ёшлик шўхлиги чақнаб турган Шербек "ҳа" дегандай бош қимирлатди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Ёшлик қилмоқ Ёшларга хос хато қилмоқ; ёшларча иш тутмоқ. *Ёшлик қилиб, болалар уйидан қочдим.* С. Кароматов, Тоғ гўзали. *Трест бошлиғи ҳайҳайлаб, унга ёпишди: -Ёшлик қилманг, ўғлим, шайтонга ҳайф беринг.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЁШУЛЛИ *шв.* **1** Катта ёшли, ёши улуғ, мўътабар киши. *Хоразмда сени атар: ёшулли, Олис Бадахшонда: падари калон.* Миртемир.

2 Шундай кишиларга нисбатан мурожаат шакли. *Аваз чойхоначига бир эркалик қилгиси келди: -Ёшулли, югурдак болангиз йўқми?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁШ-ЯЛАНГ *қ.* **ёшлар**. *Хиёбонлар бола етаклаган аёллар, қўлтиқлашиб юрган ёшяланглар билан тўла.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ЁШ-ҚАРИ, ёшу қари Ҳамма ёшдаги одамлар, барча. *Ҳаммаёқ одам: ёш-қари, хотин-халаж, бола-бақра. Ҳаммаси муқаддас мозорни зиёрат қилгани келган.* К. Яшин, Ҳамза. *Йигит ғала-ғовур билан фарзандларини кузатаётган ота-оналар, ёшу қариларни ҳам кўрмас, фикри-зикри қизда эди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ЁҚ 1 Томон, тараф. *Ўнг ёқ. Сўл ёқ.* ▬ *Ўртада норғул Саримсоқ, ўнг томонда қари чол, чап ёғида эса қирғиз чўпон борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Майин тонг шабадаси ранг-баранг гулларни секин тебратиб, атирларини ҳар ёққа сепади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бир ёққа Номаълум жойга. *Дадам арава қўшиб, бир ёққа кетди.* [*деди Гулнор*]. Ойбек, Танланган асарлар. **У ёқ-бу ёқдан** 1) ҳар тарафдан. *Ошни еб бўлганларида, у ёқ-бу ёқдан жума товуши кела бошлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) ҳар тўғрида. *У ёқбу ёқдан гаплашиб ўтирмоқ.* **У ёқ-бу ёққа** Ҳар тарафга, атрофга. [*Хотин*] *Кўча эшигини очиб, у ёқ-бу ёққа қаради: жимжит, гузар томон-*

да фақат битта чироқ милтиллар эди. А. Қаҳҳор, Анор. **У ёқ-бу ёғи** Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи. [*Йўлдошев:*] *У ёқ-бу ёғи бир ҳафталик иш.* У. Исмоилов, Сайланма. **У ёғи** Давоми. *Яна хўмрайиброқ, овозини пасайтириб деди: -У ёғини сўрасанг, айтайми, дадам Ёрматга куёв бўлмоқчи! Гулнорга уйланмоқчи!* Ойбек, Танланган асарлар. *У ёғини айтолмади – бўғзида бир нарса туриб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ўзини ҳар ёққа урмоқ** Астойдил, жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқ. *Ёнғиндан қишлоқнинг туб кишилари ҳам ўзларини ҳар ёққа уриб, мол-ҳолларини асраш чорасини кўрмоқдалар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Геометрик жисмни ўровчи ҳар бир текислик. *Куб ёқлари.*

ЁҚА I **1** Соҳил, қирғоқ; бўй, лаб. *Ариқ ёқаси.* ▬ *Элгелди қамишзорни оралаб, кўл ёқасига чиқди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Каналнинг икки ёқаси бўйлаб қурилган икки қаватли бинолар шу қадар кўркам, шу қадар чиройлики..* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Чет, чекка, ён. *Кўча ёқаси.* ▬ *Йўлнинг икки ёқасида тераклар шовуллайди, булбуллар сайрайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шу куни у бир тепалик ёқасига бориб етгандагина, шамол бир оз пасайди.* Ғ. Расул, Адолат.

Жар (*ёки* **чоҳ) ёқасида** *қ.* **жар** I. **Ўлим ёқасида** Бирор хавфли, ҳалокатли воқеа-ҳодисанинг бошланишига, содир бўлишига яқин қолган пайтда, ҳолатда. *Содиқ ҳам ўлим ёқасида. Энди сиз билан иккимизгина қолдик*! А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўлим ёқасида жон олиб, жон берган йигит бу кунларни озмунча ўйлаганмиди?* С. Аҳмад, Уфқ.

ЁҚА II **1** Кийимнинг бўйин ўрни учун очилган қисми. *Ёқа очмоқ. Кенг ёқа. Тор ёқа.* ▬ [*Қори*] *Ёқасини катта очиб, кўкрагига уч марта туфлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Очил ўрнидан туриб кийина бошлади. Лекин анчагача ёқасининг тугмасини ўтказа олмади – қўли қалтирарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Кийимга тикиб ёки илиб қўйиладиган мата, буюм. *Қоракўл ёқа. Савсар ёқа.* ▬ [*Элмурод*] *Дам олиш кунлари киядиган гимнастёркасига ёқа тикиб кийди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Бир ёқадан бош чиқариб *қ.* **бош. Енгидан кириб, ёқасидан чиқмоқ** *қ.* **енг. Ёқа бўғишмоқ** Бир-бири билан уришмоқ, муштлашмоқ. [*Йўлчи*] *Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашишни, ёқа бўғишни ўзига ор билди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ёқасига чанг солмоқ** *айн.* **ёқасидан олмоқ.** *Бу йигитга сўз уқтиришдан фойда йўқлигини билди-да, унинг ёқасига чанг солиб, кескин бир силташ билан остонадан узди, яна бир кескин ва кучли силташ билан пахса деворга урди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ёқасидан олмоқ** Бўғмоқ. [*Алимардон*] *Ғазаб ичида Анварнинг ёқасидан олмоқчи бўлди-ю, кечикди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Рустамжон арслондек сапчиб, бойнинг ёқасидан олди.* К. Яшин, Ҳамза. **Ёқасидан тутмоқ** *айн.* **ёқасидан олмоқ.** *Ғилай одам шамни токчага қўйиб, кучли қўллари билан Аҳмад Чалабийнинг ёқасидан тутди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ёқасини ушламоқ** Ҳайратда қолмоқ, тонг қолмоқ. *Ҳали шундай кунлар келадики, Алимардон Тўраев деган номни эшитганда, бутун республика ҳайратдан ёқа ушлаб қолади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. -*Ростми? – ёқасини ушлади чол.* Ойбек, Танланган асарлар. **Оғзидан олиб, ёқасига ёпиштирмоқ** *қ.* **ёпиштирмоқ. Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин!** *қарғ.* Айтганинг ўзингга урсин, тилаганингга ўзинг дучор бўл (совуқ хабар, ёмон ният ва ш. к. ҳақида). [*Зуҳра:*] *Охиратга бунчалик ҳирс қўйган экансан, боравер.* [*Фотима:*] *Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ЁҚАВАЙРОН Ёқа тугмалари солинмаган; очиқ. *Ёқавайрон ҳолда кўчага ялангоёқ отилганимни ўзим билмайман.* Ў. Усмонов, Болалик. *Ёлғиз Қўчқор ёқавайрон, яланг оёқ, яланг бош, олдинда зипиллаб боряпти.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЁҚАВАЛАНГОР *шв.* Ёқавайрон. *Остонада сочлари чеккаларига ёпишган ёқавалангор Виктор турарди.* Ш. Ғуломов, Чўл белида.

ЁҚАЛАМОҚ 1 Йўл, соҳил ва ш. к. ёқаси, чеккаси бўйлаб юрмоқ, бормоқ. *У жиннилларча ўз-ўзи билан гаплашиб, анҳор ёқалаб анча вақт тентиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўрмон ёқалаб тўрт соат юрдик.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 *кам қўлл.* Ёқасидан тутмоқ, ушламоқ. *Дуруст, Йўлчи ёмон бола. Аммо биз уни орқасида қопи билан, қўлида тугуни билан ёқалаганимиз йўқ, пичоғида ҳали қон кўрмадик.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁҚАЛАШМОҚ Ёқа буғишиб уришмоқ, муштлашмоқ. *Бу ер шундай ғужанак жойки, баъзан болалар бир-бирларининг гўштларини егудек ёқалашсалар ҳам, ҳеч ким билмайди.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Акаси Низомиддин, эҳтимол, бебошлик қилгандир, ёқалашгандир* [*уйларди Бадиа*]. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЁҚАЛИК Ёқа учун мос, ёқабоп. *Ёқалик қоракўл.*

ЁҚАМА-ЁҚА: ёқама-ёқа бўлмоқ Жанжаллашмоқ, уришмоқ. *Бир-бири билан бўлиб ёқама-ёқа, От устида кўп талашиб турибди.* «Баҳром ва Гуландом».

ЁҚИЛҒИ Иссиқлик энергияси олиш учун ёқиладиган ашё. *Шу сувнинг қувватидан Уйимиз ёруғлиги. Сув, кўмир, ўтин — асл, Мамлакатга ёқилғи.* Қ. Муҳаммадий. *-Биз материалларни, ёқилғини, вақтни тежаш билан жуда кўп маблағ тўплашимиз мумкин..— деди Ефим Данилович.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЁҚИМЛИ 1 Истараси иссиқ, ёқимтой, кишини ўзига тортадиган, кўзга яқин. *Ёқимли бола. Ёқимли жувон.* ▬ *Дарҳақиқат, у ёқимли қиз бўлибди. У анча камтарга ҳам ўхшайди.* Мирмуҳсин, Умид. *У* [*Анзират*] *олтмишларга бориб қолган, нимжон, юзи жуда буришган бўлса ҳам қизил, товуши майин ва ёқимли бир кампир эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Кишига ёқадиган; завқ, ҳузур бағишлайдиган. *Ёқимли куй. Ёқимли кулги. Ёқимли шабада.* ▬ *Узоқдан, радиодан майин, ёқимли музика оқар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Мақбара томондан киши кўнглини эритадиган ёқимли бир овоз эшитилди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЁҚИМЛИЛИК Ёқимли бўлишлик, жозибадорлик. *Куйнинг ёқимлилиги.*

ЁҚИМСИЗ 1 Сўхтаси совуқ, беўхшов, кишини ўзига тортмайдиган. *Ёқимсиз бола.*

2 Кишига ёқмайдиган, завқ ёки ҳузур бермайдиган; ёмон. *Ёқимсиз куй.* ▬ *Узоқ-узоқларда ёқимсиз сароб кўринар, сарғиш тўзон ойнадай мусаффо осмонга қараб сузиб борарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЁҚИМТОЙ Истараси иссиқ, ёқимли, жозибали. *Мансур суратни қўлига олиб, унга меҳр билан қараб қолди: бир-биридан ёқимтой уч бола беғубор кулиб турарди.* Ё. Шукуров, Уч савол. *Суннат яхши ўқир, келишган, ёқимтой йигит эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЁҚИНҚИРАМОҚ Бир оз ёқмоқ, бир оз хуш келмоқ (кўпинча бўлишсиз ҳолда). *Назокатхоннинг тез-тез тутилиб, гапидан адашиб кетиши ва шошиб-шошиб ўзини-ўзи тузатиб туриши Ойқизга ёқинқирамади, албатта.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шарифжон* [*Манзурага*] *ёқинқирамай қолди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

ЁҚИҚ Ёқиб қўйилган, ёқилган ҳолда; ёниб турган. *Чироқ ёқиқ қолибди, қизим. Ўчириб қўйдим* [*деди Ҳафизанинг бувиси*]. Мирмуҳсин, Умид.

ЁҚИҚЛИ *айн.* **ёқиқ**. *Қирқинчи лампалар ёқиқли, чойхона колхозчилар билан тўлган эди.* С. Айний, Қуллар.

ЁҚЛАМА: бир ёқлама Бир тарафлама, юзаки. *Масалага бир ёқлама ёндашмоқ.* **Икки ёқлама** 1) икки томондан, икки томонлама. *Ғўза қатор ораларига икки ёқлама ишлов бермоқ;* 2) икки томоннинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда. *Икки ёқлама битим тузмоқ.* **Ҳар ёқлама** Ҳамма томонини ҳисобга олиб, атрофлича. *Лекин биринчи куёвнинг феъли-атвори* [*Мирзакаримбойга*] *маъқул тушмагани учун, куёв бўлажак йигитни ҳар ёқлама текширишни, синашни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁҚЛАМОҚ 1 Тарафини олмоқ, қувватламоқ. *Директорнинг фикрини ёқлаб гапирмоқ.* ▬ *Кўнглингизга келмасин, мен Болтабойни ёқламоқчи эмасман.. колхозчиларнинг раъйи шу бўлса, бунга на сиз қарши чиқа оласиз, на мен.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ватан ишқи, янги давр талабини ёқлайман.* Ғайратий.

2 Махсус йиғилишда муҳокамага қўйилган ишни (лойиҳа, диссертация, диплом иши ва ш. к. ни) маъқуллатиб, муносиб даража ёки унвон олмоқ; ҳимоя қилмоқ. *Диплом ёқламоқ.* ▬ *Ҳ. Бердиёровнинг «Ҳозирги замон ўзбек тилида сўнг кўмакчилар» темасида ёқлаган диссертациясини буюк аллома.. Айний юқори баҳолади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Газета Умиднинг муваффақиятли диссертация ёқлаганлигини айтиб, фотосурати билан ихчамгина хабар босди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЁҚЛИ: **бир ёқли бўлмоқ** Ҳал бўлмоқ, ечилмоқ; ажрим бўлмоқ. *Низомиддинов иш бир ёқли бўлгунча, вақтинча раислик вазифасини бажариб турадиган бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳозир Миродилнинг йиллар бўйи ўйлаган фикри-зикри бир ёқли бўлиши керак.* У.

Исмоилов, Сайланма. **Бир ёқли қилмоқ** 1) масалани ҳал қилмоқ, ечмоқ; ажрим қилмоқ. *Ғаффор отанинг ишини бир ёқли қилиш.. йўлини ахтармоқ лозим.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди; 2) ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ. *Соколов: "Она-болани Ҳамзанинг душманлари йўлда бир ёқли қилган" деган хаёлга борди, аммо оғир ботмасин, деб фикрини Ҳамзага айтмади.* К. Яшин, Ҳамза.

ЁҚМОҚ I **1** Ёндириб, ўт, аланга ҳосил қилмоқ, ёндирмоқ; куйдирмоқ. *Қоғоз ёқмоқ. Ахлатни ёқиб юбормоқ.* ▬ *Ҳовлига олов ёқиб, чилдирмангни қизит.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Салимбойвачча*] *Аравага ўтирмасдан бурун гугурт ёқиб, папирос тутатар экан, Ёрматга кўзи тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қози, калласи эзилган илондай тўлғаниб, элликбошига қичқирди: -Синдир ҳаммасини! Ташқарига чиқар! Ёқ, ўт қўй!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Нур, ёлқин ҳосил қилмоқ, ёритмоқ. *Электрни ёқмоқ.* ▬ *Николин қўл фонарини ёқиб, бегона ҳамшира билан бирга ярадор командирга ёрдам кўрсатишга киришди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Зубайда шам ёқди.* «Ёшлик».

3 Ўт, олов ёрдамида қиздирмоқ, иситмоқ. *Плита ёқмоқ. Печка ёқмоқ.*

4 Қиздириб ҳаракатга келтирмоқ; ўт олдирмоқ. *Моторни ёқмоқ. Тракторни ёқмоқ.*

Жонини ёқмоқ *фольк.* Ҳаяжонга солмоқ; ишқ ўтида куйдирмоқ. *Шу элатда бир бола бор, Бай-бай, жонимни ёқади.* «Оқ олма, қизил олма». **Уруш оловини ёқмоқ** *қ.* **олов. Чироғини ёқмоқ** Ишини давом эттирмоқ. *Бошқа фарзандим йўқ, худо умр берсин, ишқилиб, чироғимни ўша ёқсин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Юрагига (***ёки* **қалбига) ўт ёқмоқ** Ҳаяжонга солмоқ, тўлқинлатмоқ; руҳлантирмоқ. *Водийнинг манман деган раислари юрагига ўт ёққан киши Полвон ака Қозоқов бўлади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Умид ўша қалбига ўт ёққан қизга тикилиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЁҚМОҚ II **1** Маъқул бўлмоқ; дид, хоҳиш, кўнгилга тўғри келмоқ. *Ашуланинг куйи менга ёқди.* ▬ *Қосимбек ялт этиб Авазга боқди. Унга бу йигитнинг ўзини эркин, ҳатто жиндай мағрур тутиши ёқди.* С. Сиёев, Аваз. *Ўтмиш ҳақидаги иккинчи роман эса жуда ёқди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. [*Дилшоднинг*] *Бу қилиғи Ёдгорга ёқмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Мижозга тўғри келмоқ. *Менга хамир овқат ёқмайди.* ▬ [*Кумуш*] *Ёқмайдиган ҳеч нарса егани йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Жинига ёқмайди Ёмон кўради, хушламайди. *Сатторқул аканг уйни тузаттириб бермоқчи. Майли, ўшанда токча жинига ёқмаса, шуватиб ташлай қолсин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнглига ёқмоқ** Дилига, дидига мос келмоқ. *Юлдузхон учун кутилмаган, аммо айни муддао бўлган, кўнглига ёқиб тушган тасодиф дугоналари орасида шу заҳотиёқ шивир-шивир, миш-мишларни бошлаб юборди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Оғзига ёқмади** Мазасини хуш кўрмади, сезмади. *Сидиқжон бир пиёла чойни, худди угра ош ичгандай, узун-узун хўплаб ичди-да, чой оғзига ёқмаса ҳам, бир оз таъби очилгандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Хуш ёқмоқ** *қ.* **хуш 2. Қадами ёқмади** Келиши шарофатли бўлиб чиқмади, яхшилик келтирмади. *Айрим одамлар ўртасида "Колхозимизга Шербекнинг қадами ёқмади" деган шивир-шивир гап юра бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Менинг қадамим ёқмабди* [*деди Саид*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЁҚТИ *фольк.* Ёруғ, нурли. *Неча шоҳлар ўтди фоний дунёда, Баъзиси отли, баъзиси пиёда. Хўп кайфингни сургин ёқти дунёда.* Ислом шоир. *Умрим боқий бўлса ёқти оламда, Ўйнаб бориб, Хиромонни оламан.* «Гулихиромон».

ЁҚУВЧИ Ёқмоқ фл. сфдш. *Ўт ёқувчи. Печь ёқувчи.*

Уруш оловини ёқувчилар Зўр бериб уруш чиқаришга уринувчилар, гиж-гижловчилар. *Ҳушёр бўлинглар, уруш оловини ёқувчи империалистларни, инсоният душманларини фош қилинглар!* Газетадан.

ЁҚУТ I [*а.* ياقوت — турли рангли қимматбаҳо тош] **1** *от* Турли рангда товланадиган тиниқ қимматбаҳо минерал. *Ёқут кўзли олтин узук.* ▬ [*Навоий:*] *Аниқ, тож гарчи ёқут, гарчи зардур, Халойиқ бошига битган зарардур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Ёқути занжорий Сарғиш-яшил рангли ёқут. **Ёқути зулмоний** Кўкимтир-қора рангли ёқут. **Ёқути райҳоний** Тўқ-қизил рангли ёқут.

2 *сфт.* Қизил, ёқутдай қизил. [*Одилбиканинг*] *Сарв қомати, ой каби юзи, қора қалам қоши, шаҳло кўзлари, юпқа ёқут лаблари ҳар бир кишини ўзига беихтиёр жалб қиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бир туп жай-*

дари қизил олма мевасининг мўллигидан ҳовузга энгашиб тушган; ҳовуз сувида бир қанча қизил олма ёқутдай товланиб, жимиллаб сузади. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ёқут (хотин-қизлар исми).

ЁҚУТ II [*р.* якут]1 Россиянинг Саха Республикасида яшовчи туркий халқнинг русча номи. *Ёқут аёл.*

2 Шу миллатга тегишли, оид. *Ёқут тили.*

ЁҚУТЛАР *айн.* **саха, сахалар.**

ЁҒ Чорва моллари, умуман, жониворлар организмида, сутида, баъзи ўсимликларнинг уруғи, дони, гулида бўладиган, улардан ажратиб олинадиган мой. *Қўй ёғи. Мол ёғи. Кунжут ёғи. Эритилган ёғ. Ёғни қиздирмоқ. Ёғни эритмоқ.* ▬ *Ёғни ёққа, гўштни гўштга энди ажратиб бўлай деганимизда, Жўрапошша келиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Даранинг аҳолиси ўз иши билан машғул: хотин-қизлар кув пиширив, ёғ ажратмоқда.* С. Айний, Дохунда.

Ёғи йўқ Унумсиз, кам унумли. *Сўнгра бу ерларнинг ёғи йўқ, ориқ, камҳосил эканини ҳаммамиз биламиз-ку, нега бу тўғрида лом демайдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Ёғи чиқадими** Айни бир иш ҳадеб такрорлай берилганда айтиладиган ибора. *Текшираверган билан ёғи чиқадими?* С. Аҳмад, Ҳукм. **Ёғи чиқди** Ниҳоятда кир бўлиб, йилтираб кетган кийим ҳақида. *Дўппининг ёғи чиқди.* ▬ *Ёғи чиқиб йилтираб кетган пахталик кийиб олган Каримов ичига нимадир тўлдирилган қопни орқалабди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

Ёғ тушса (*ёки* **томса**) **ялагу(н)дай** Супуриб-сидирилган, ниҳоят даражада тоза, озода. *Ҳамма нарса саранжом. Ҳовли-жой ёғ тушса ялагудек.* С. Анорбоев, Пушаймон. **Илоннинг ёғини ялаган** Айёр, муғамбир, қув. *Кўп ишни кўрган бу Зуннунов. Илоннинг ёғини ялаган. Жуда нозик жойини топибди.* И. Раҳим, Ихлос. **Кўзини ёғ босмоқ** Бировни назар-писанд қилмай қўймоқ. *Фурсатдан фойдаланиб, Пўлат ота уни узиб-узиб олди: -Йўқ! Мен кўзини ёғ босган бандаларга элашмайман, арзимни худога айтаман.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзининг ёғини емоқ** Ўзини кимгадир яқин кўрсатиб, унинг хайрихоҳлигидан ортиқ даражада фойдаланмоқ. -*Сизда виждон деган нарса йўқ. Кўзимнинг ёғини еб, бошимга иш тушганда қочдингиз, — деди боланинг отаси Каримовга.* С.Аҳмад, Дадамнинг ўртоғи. **Оқ ёғ** 1) қўй ёғи; 2) *шв.* чигит (пахта) ёғи. **Оғзингга ёғ** Балли, яша. *Кампир худди ҳозир ўғли келин билан қўл ушлашиб кириб келаётгандай, эшикка қаради: -Вой, оғзингга ёғ, ўғлим!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ўз ёғига (ўзи) қовурилмоқ** Ўз қийинчилигини ўзи тортмоқ. *Уч кундирки, Бўтабой ўз ёғига ўзи қовурилиб, уйда ўтирибди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЁҒАЛОҚ: ёмғир ёғалоқ Ёмғир ёғаверади. *Ёмғир ёғалоқ, эчки туғалоқ, бойнинг қизининг қорни юмалоқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁҒДАЙ: ёғдай ёқмоқ Жуда маъқул бўлмоқ, хуш келмоқ. *"Ўқимайман" деганим бувимга ёғдай ёқиб тушди* [*деди Саид*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Зиғир ёғдай кўнгилга тегмоқ (***ёки* **урмоқ)** *қ.* **зиғир**. *Меҳри зиғир ёғдай кўнгилга урган насиҳатни.. чидам билан эшитди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЁҒДИРМОҚ 1 Ёғмоқ фл. орт. н. *Сунъий ёмғир ёғдирмоқ.*

2 Ёмғирдай кўп туширмоқ; отмоқ. *Жангчилар траншеяларга яқинлашиб қолганда, яна душман бирдан пулемётдан ўқ ёғдирди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген.

Бошига маломат тоши ёғдирмоқ Турли гап-сўзлар билан таъна қилмоқ; туҳмат қилмоқ. *Эр-хотин ажрашса, дарров эркакни айбдор қилишади. Хотиндан ҳам ўтгандир, ҳадеб эркак шўрликнинг бошига маломат ёғдиравермайлик, деган гап бировнинг хаёлига ҳам келмайди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Савол ёғдирмоқ** Кетма-кет ва кўплаб савол бермоқ. *Кутилмаган бу фожиадан ҳаяжонга келган одамлар унинг атрофини ўраб олдилар ва устма-уст савол ёғдира бошладилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Дилшод ҳаяжонли бир шивши билан устма-уст савол ёғдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЁҒДУ Ёритувчи манбадан таралувчи ёруғлик, нур. *Ой ёғдуси.* ▬ *Кўтарилиб келаётган қуёшнинг ёғдуси дарахтлар тепасида қанот қоқа-қоқа, зумрад водийни зарга кўма бошлайди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Тўлин ой сутдек ёғдусини мактаб саҳни ва том тунукаларига аёвсиз тўкар, булбул эса ҳамон сайрар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шимол ёғдуси Қутб доирасида атмосферанинг юқори қатламларида кузатиладиган ёғду.

ЁҒИЙ *эск.* Душман, ғаним. *Мирзам! Икки тарафимизни ёғий босган* [*деди Қосимбек*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Изидан ёғийлар еларди отда, Жаранглаб етарди туёқлар саси.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

ЁҒИЙЛИК Душманлик, ғанимлик. *Мирзо ҳазратларига ёғийлик мақомида бўлган чағраклар ўлпон тўлашдан бош тортганлари учун ўн олти минг қўйлари, икки ярим минг йилқилари жарима тарзида тортиб олиб келинди* [*деди Аҳмад Танбал*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЁҒИЛМОҚ 1 Ёмғирдай, дўлдай тушмоқ, ёғиб турмоқ; тўкилмоқ. *Ёнғоқ дўлдек ёғилди.* ▬ *Тўрт тарафдан ўқ ёғилади.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Кўприкка икки томондан ўқ ёғилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кетма-кет, кўплаб келиб турмоқ; жуда кўпайиб кетмоқ. *Аҳмедов капсанчиларни колхоз тузишга чақириб, сўзини тамом қилди. Савол-жавобга ўтилди. Савол ёғилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У ҳар куни бадантарбия қилишни истарди-ю, иш кўплигидан бу истагига эриша олмасди, чунки турли-туман иш ёғилиб кела берарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Таралмоқ, аксланмоқ. *Нур ёғилди.* ▬ *Юзларидан нур ёғилади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Эшикда сочларига оқ оралаган, кўзойнакли, қотма, чеҳрасидан нур ёғилиб турган домла кўринади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

Вужудидан (*ёки* **билакларидан) куч ёғилиб турибди** Жуда бақувват, кучли; кучи кўп. *Бутун вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган бу йигит Ботиралининг юкини анча енгиллатиб қўйди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Нормат етилиб, юзлари тўлишиб қолди. Офтоб тиғида қорайган билакларидан йигитлик кучи ёғилиб турибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЁҒИН Қор, ёмғир, дўл тарзида булутдан тушадиган атмосфера намлиги. *Кузнинг совуғи келди-ю, ёғини келмади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Ёғин ёғса, ҳалқоб ерлар лойланади, Бу ишда қўрқоқнинг қўли бойланади.* «Ойсулув».

ЁҒИНГАРЧИЛИК Ёғин кўп бўлган пайт, мавсум; ёғиннинг ўзи. *Бу ерларда ёғингарчилик кам бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Куз келиб, ёғингарчилик бошланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ёғингарчиликдан пайкалга кириб бўлмай қолди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Дўкон айвонларидаги устунларга суянган азаматлар дам-бадам эснашиб, шундай ёғингарчилик кунлари ҳам қишлоқ марказида авж оладиган келди-кетди, савдо-сотиқни томоша қилардилар.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ЁҒИН-СОЧИН *қ.* **ёғингарчилик**. *Бу йил ёғин-сочин кўп бўлиб, ер-кўк чамандай яшнаб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁҒИН-ЧОЧИН *айн.* **ёғин-сочин**. *-Пахтани илиқ-иссиқда, ёғин-чочинга қолмай териб олсак, яхши бўларди, — деди Алижон.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ЁҒИШ *шв.* Кемалар тўхтайдиган жой; кечув. *Кеманинг бошини ёғишга бурдим.* Р. Бекниёз, Лаққа.

ЁҒЛАМОҚ Ёғ суртмоқ, ёғ қуймоқ. *Ғилдиракни ёғламоқ.* ▬ *У пулемёт қисмларини бирма-бир қўлга олиб.. уларни Эмин Ражабовга узатди: -Ол, тузатиб, ёғлаб қўй.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Оғзини (*ёки* **томоғини) ёғламоқ** *айн.* **оғзини мойламоқ** *қ.* **мойламоқ**. *Раиснинг оғзини пора билан ёғлаб туришини биласизми? Биласиз!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қозонининг қулоғини ёғламоқ** Иссиқ овқат қилмоқ. [*Ҳожар:*] *У ҳам хотин олгунча чоршанба, пайшанба қозонининг қулоғини ёғласин.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ЁҒЛИ 1 Ёғи кўп, серёғ. *Ёғли шўрва. Ёғли патир.* ▬ *Кечки норин учун катта қозонда ёғли қази пишади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меҳри бир халтада ойиси ёпиб берган ёғли патирдан олиб чиқди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 *кўчма* Яхши даромад берадиган. *Унинг ўрнига чол жавоб қилди: -Оппонбек ёғли иш топиб олганлар.* С. Аҳмад, Сайланма. *У* [*Қосимов*] *ёғли мансабга эришиш йўлида ҳеч қандай ярамасликлардан қайтмас эди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

ЁҒЛОҒИ Суюқликни бир идишдан иккинчисига олиш учун ишлатиладиган уйрўзғор буюми; катта чўмич. *-Вой, дазмолим эсимдан чиқибди! — деди югургилаб кирган Раъно ва ўртаси хинадай сарғайиб кетган галстукни ёғлоғидаги сувга тиқиб, акасига айбдорларча термулди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Гулноз товоқда ун, ёғлоғида ёғ олиб чиқди, аталага уннадилар.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЁҒМОҚ 1 Томчи, зарра ёки дона-дона ҳолида кетма-кет, бир текисда ҳаводан тушиб турмоқ. *Ёмғир ёғди. Дўл ёғди.* ▬ *Қор*

кучли ёғарди. Кўчалар, томлар, деворлар, дарахтлар оппоқ. Ойбек, Танланган асарлар. *Қор ёғар, уйда мени опам кутарди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 *кўчма* Кетма-кет ва кўплаб келмоқ. *Ўқ ёғди. Пул ёғди.*

Қовоғидан қор ёғади *қ.* **қовоқ** II.

ЁҒОЧ 1 Дарахт, оғоч. *Отабек ҳовлининг ўртасида, тут ёғочининг ёнига келиб тўхтаган ва жанубда киши йўқми, деб алангилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёғочдан қилинган, ёғочли. *Эсимда Анҳорнинг ёғоч кўприги, Бу ерни азалдан дейишган Ўрда.* М. Шайхзода. *Ёғоч уйга ердан бир қанча баланд кўтариб тахта терилган, унинг устига қанор қоплардан палос тўшалган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. -*Қосимов маст эмасмиди? — деди Солибек қизиқиб. Унинг ҳам кайфи бор-у, аммо Ғуломжонга ўхшаб ёғоч кавуш кийган эмас.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

3 Қурилиш материали, хода. *Сидиқжон онаси кутгандан ҳам ортиқроқ ғайрат қилиб, ҳаш-паш дегунча ёғоч, сомон, бўйра, тахта ва бошқа нарсаларни ташиб олди ва тездан уста солди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ёғоч оёқ 1) *этн.* бўйини узун қилиб кўрсатиш учун оёққа боғлаб, рақс тушишга мўлжалланган ёғоч мослама. *Масхарабозлар ёғоч оёқда рақс тушиш, оловбозлик, найрангбозлик, муаллақчиликда моҳир бўлган.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси; 2) ёғочдан қилинган ясама оёқ, протез. *Икромжон якка оёқда кезишдан фойда йўқ, деб ёғоч оёғининг учига эски этикнинг таг чармини қоқиб олганди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Ёғоч от** Чўпдан ясалган болалар ўйинчоғи. *Бир кун Қудрат сув сепиб турганида устига ўзидан бир яшар катта бўласи ичкаридан ёғоч от миниб чиқиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сим ёғоч** *с. т.* Электр, радио ва телефон симларини тортиб улаш учун ерга қадалган узун, тўғри ёғоч; столба. *Солиҳ гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа гандираклаб кетар, деворга, сим ёғочга суяниб қоларди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЁҒОЧЛИ: тўққиз ёғочли Томи тўққиз тўсин солиб ёпилган. *Йўлчининг тақачи ошнаси Қоратой оч қорнини бемаза мошхўрдага тўлдириб, тўққиз ёғочли совуқ уйда танчада, кўзларини хира чироққа тикиб, хомуш ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁҒОЧСОЗ Ёғоч буюмлар ясовчи уста.

ЁҒОЧСОЗЛИК Ёғоч билан ишлаш соҳаси; ёғоч ҳунармандчилиги. *Ёғочсозлик комбинати.* ▬ *Ёғочсозлик цехига киришди.* «Муштум».

Ёғочсозлик саноати Ўрмон саноатида ёғочни механик усулда қайта ишлаш тармоғи.

ЁҒСИРАМОҚ Мойи қуриб қолмоқ. *Кўчадан гупчаги ёғсираб қолган арава асабга тегадиган бир ғийқиллаш билан ўтиб кетди.* С. Зуннунова, Олов.

ЁҒУПА Косметик пардоз мойи; крем.

ЁҒЧИ 1 Жувоз ҳайдаб ёғ чиқарувчи; жувозкаш.

2 Ёғ олиб сотувчи. *Парпихўжа ёғчи унинг пинжига тиқилиб, анча ергача секин-секин сўзлаб борди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁҒЧИРОҚ Ёғ воситасида пилта билан ёқиладиган чироқ. *Сандиқ устида липиллаб ёғчироқ ёнарди.* «Шарқ юлдузи».

ЁҒЧОВА *шв.* Сувқовоқдан қилинган ёғ идиш.

ЁҲУ [*ф.* یاهو — ё худо, э худо — дарвишларнинг хайрлашишда айтадиган хитоби] *унд.* Худога қарата кучли ҳис-ҳаяжон билан айтиладиган илтижо. *Шоқосим чиқди, кўкка боқиб, бўғиқ товуш билан «ёҳу!» деб қичқирди-да, ўтин келтириш учун қаёққадир ғойиб бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бошимни олиб, «ёҳу» деб, кўз кўрган ёққа кетай дейман-у, яна тағин бола-чақаларни ўйлайман: оёққа кишан улар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.



ЖА *с. т.* Жуда. [*Тўла*:] *Жа савдогар бўлиб кетибсизми, ўтиринг энди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Писмиқ.. жа хурсанд, оғзи қулоғида, йўрғалаганча кетяпти.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЖАБАЗАК *шв.* Жавпазак.

ЖАББОР [*а.* جبّار – қудратли; шафқатсиз, бераҳм] **1** Оллоҳнинг сифат (ном)ларидан бири; қудратли, кучли.

Жаббор олсин! *қарғ.* Худо олсин.

2 Жабр қилувчи, жабрловчи.

Жонни жабборга бериб Жон-жаҳди билан, куч-қувватини аямай. *Махсум, тузингизни ичган бўлсак, текинга ичмадик, жонимизни жабборга бериб, хизматларингизни қилдик.* С. Анорбоев, Оқсой. *Баъзида жонингни жабборга бериб, Асл ҳақиқатни сўзлаганинг дам, Баъзи бирлар сендан бутунлай ранжиб, Мумкин сени нодон дейишлари ҳам.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

3 Жаббор (эркаклар исми).

ЖАБДУҚ 1 От ёки эшак абзали. *Арава ҳам эртаси куни келтирилиб, Холмирза ака отга жабдуқлар олиш, аравага темир қоқтириш учун шаҳарга тушиб кетди.* А. Қодирий, Обид кетмон. [*Бўри*] *Эшакнинг жабдуғига чўнқайиб ўтирди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Жабдуқ урмоқ Отни эгарламоқ, жабдуқламоқ. *Жабдуқ урдириб берсам, ўзлари миниб кетсалар* [*деди ҳокимга мингбоши*]. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Керакли нарсалар, керак-яроғ, анжом. *Сафар жабдуғи.* ▬ [*Навоий:*]. *Мен бу ёсуманни ўз хусравларига юбормоқчиман. Олиб чиқинг! Сафар жабдуғи ҳозирлансин!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ЖАБДУҚЛАМОҚ *айн.* **жабдуқ урмоқ** *қ.* **жабдуқ.** *Кечаси чалқанча ётиб ўйладим. Саҳар вақти Тарлонни жабдуқладим. Обширга от солдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЖАБР I [*а.* جبر – зулм] Жисмоний ёки руҳий азоб; зулм, адолатсизлик. *Полиция маҳкамаси олдидан ўтар экан, ҳар кимни титроқ босар, унинг жабрини, даҳшатини халқ ҳар куни, ҳар соат, ҳар минут тотиб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кимга бориб дод этай золим фалакнинг жабридин.* Муаззамхон.

Жабр кўрмоқ (*ёки* **чекмоқ, тортмоқ)** 1) азоб чекмоқ, азоб тортмоқ, зулм кўрмоқ; зулм остида эзилмоқ, қийинчилик кўрмоқ. *Ёшлигимда қайнананинг жабрини торта-торта, танимда жон қолган эмас.* А.Қаҳҳор, Оғриқ тишлар; 2) моддий зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ. *Завод эгаси бўлишига қарамай, у ҳам жабр кўрган экан.* А. Қаҳҳор, Йиллар. **Жабр қилмоқ** 1) азоб бермоқ, зулм ўтказмоқ, қийнамоқ. *Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) моддий зарар етказмоқ, зиён бермоқ.

ЖАБР II *эск. айн.* **алгебра**. *Насриддин Тусий жабр, тиб ва мантиқ назарияси билимларининг бошқа соҳалари бўйича ҳам кўпгина китоблар ёзган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЖАБРА [*укр.* жабри – жағ, жабра] Сувда ҳам қуруқликда яшовчи баъзи ҳайвонларнинг нафас олиш аъзоси *Қисқичбақа сувда яшаганлиги туфайли, жабралари танасининг нозик попуксимон ўсимталари билан нафас олади.* «Зоология».

ЖАБРАН [*а.* جبراً – жабр ўтказиб, мажбуран**]** *рвш. эск.* Жабр қилиб, жабр кўрсатиб, зўрлик билан. [*Алексей:*] *Бой.. сизда одамгарчилик бўлганда эди, Қудратни жабран Сибирга ҳайдатиб, ҳовлисини ўзингизники қилиб олмасдингиз.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ЖАБРДИЙДА [жабр + *ф.* دیده – кўрувчи] *қ.* **аламдийда.** *Ота-онадан ажралган жабрдийда Абу шундан сўнг ризқ излаб, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дайдиб кетди.* Мирмуҳсин, Она. *Жабрдийда халқ подшо амалдорларидан аламини олмоқчи экан, олсин.* Н. Сафаров, Наврўз.

ЖАБР-ЖАФО, жабру жафо Ортиқ даражадаги жабр, қаттиқ жафо, зулм. *Чин ёр бўлса қилар вафо, Номард қилар жабру жафо.* «Гулихиромон». *Урушнинг бутун жабру жафоси эл-улуснинг бошига тушадир* [*деди Мулла Фазлиддин*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЖАБР-ЗУЛМ, жабру зулм *айн.* **жабр-жафо.** *У* [*Йўлчи*] *энди танҳо эмас, у ўзини дўстлар ичида, ўзи каби эзилган, жабр-зулмга қарши кураш учун шайлана бошлаган одамлар орасида сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАБРЛАМОҚ Жабр-зулм қилмоқ, қийнамоқ, азоб бермоқ. *Табиат чиндан ҳам бевақт йўлга чиққан бу йўловчини сувга пишган паррандадек жаблаган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖАБРЛАНМОҚ 1 Жабрламоқ фл. мажҳ. н.

2 Моддий зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ.

ЖАБРЛАНУВЧИ 1 Жабрланмоқ фл. сфдш.

2 *ҳуқ.* Жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки моддий зарар кўрган шахс. *Янги кодекс лойиҳасининг амалдаги жиноят процессуал кодексидан фарқи шуки, у жабрланувчининг ҳуқуқларини анча кенгайтиради.* Газетадан.

ЖАБР-СИТАМ, **жабру ситам** *айн.* **жабр-жафо**. *Басдир шунча уқубат, Шунча жабру* ситамлар. У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

ЖАБҲА [*а.* جبهه – пешона; фронт, уруш] **1** *эск.* Фронт олди. *Жабҳаларда ҳушёр тур, топмасин омон душман.* Ғайратий. *Жабҳага кетганидан Қайта келмади отам.* Миртемир.

2 Халқ хўжалигининг ҳар бир соҳаси. *Бошқа жабҳаларда ҳам хўжасизлик оқибатида елга совурилаётган маблағлар озмунчами?* [*деди Ваҳобов*]. С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ҳар жабҳада кўрсатиб мардлик, Саҳроларни кўмарсиз гулга.* З. Диёр.

ЖАВАК *шв.* Исирғанинг қуйи қисми.

ЖАВГАЗА *шв. айн.* **жавгазим**.

ЖАВГАЗИМ *бот.* Фарғона лоласи.

ЖАВДАР(И) 1 Ғалладошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимлик; қора буғдой. *Жавдар уни.* ▬ *Назаров бўлинмасини ошхонага олиб борди. Қайноқ карам шўрва, серёғ бўтқа ва жавдари нон берилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 *шв.* Жайдари, оддий, содда. *Халқи каби жавдари унинг танида қони.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

ЖАВДИРАМОҚ Нажот излаб, илтижо билан қарамоқ, термилмоқ. *Пошша кампир ўғлининг жавдираган нигоҳига дош беролмади: кўз ёшларини артиб, бошини қуйи солди.* Н. Қиличев, Устун. *Болаларнинг жавдираган кўзлари отада. Ота эса нима қиларини билмай гаранг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖАВДИР-ЖАВДИР: жавдир-жавдир қарамоқ (*ёки* **боқмоқ**) Кўзларини жавдиратмоқ. *[Поччаев] Атрофга жавдир-жавдир боқиб, қаердан туриб гапиришни мўлжалларкан, шовқин-сурон авж олди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЖАВДИРОҚ Жавдираган, термилган. *«Унақа қийнамагин-а опангни, хўпми?» деб қўйдим Бахтиёрнинг жавдироқ кўзларига тикилиб, – деди Камол.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЖАВЗО [*а.* جوزاء – бурж] (Ж – катта) **1** *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Саратон ва Савр буржлари ўртасида жойлашган (*қ.* **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи (22 май – 21 июнь кунларига тўғри келади). *Жавзо кирди. Кунлар исиб, арпа пишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Адаш карвоннинг кечагидек эсида: жавзонинг охирги ҳафтаси эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЖАВЛОН [*а.* جولان – юриш, сайр қилиш; адашиш] **1**: **жавлон урмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) 1) ҳозирлик кўрмоқ; отланмоқ; айланмоқ, сайр қилмоқ. *Маликаи айёр, агар турсанг сўзингда, Сенинг билан йўлга жавлон қилайин.* «Гулшанбоғ». *Мана бу от-арава сизники, сизга бердим, қани, ўтириб бир жавлон қилиб келинг.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) астойдил меҳнат қилмоқ; бирор соҳада ўзини кўрсатмоқ. *Биров меҳнат фронтида жавлон*

уриб, ажойиб хотира қолдирса, биров доништманд сифатида ёдгор қолдиради. Н. Сафаров, Оловли излар; 3) ўйноқиламоқ. *У кўзини юмди дегунча, хаёлида қорабайир жавлон қилар, тақаларининг тошларга урилиб тақиллаши қулоқларига эшитилаётгандай туюларди.* Ҳ. Ғулом, Маъшал; 4) кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Ғуломжоннинг кўнглида яйраган қувонч баҳори кўзларида жавлон урди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Жавлон кўзлар** Шўх, ёниб турган кўзлар. *Бодом қовоқлари остидаги жавлон кўзлари мамнун-мамнун кулади, юзлари кулади, гўзал ғунча лаблари кулади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Жавлон (эркаклар исми).

ЖАВОБ [*а.* جواب – сўроққа қайтарилган гап] **1** Сўроққа, мурожаатга қайтариладиган гап; хат; товуш; имо-ишора ва ш.к. *Мужмал жавоб. Қатъий жавоб. Қониқарли жавоб. Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма.* Мақол. ▬ *Ҳасанов фашистларнинг сўроғига бир оғиз ҳам жавоб бермади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Тожибой ака бўлса, аниқ жавоб бермай, гапни айлантирар эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ташқаридан шайхнинг овози келди. Ичкаридан яна жавоб бўлмади.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *мат., физ.* Муайян масала, мисол ёки топшириқнинг ечими. *Ушбу масаланинг жавоби икки йўл билан топилади.*

3 Рухсат, изн. *Майли, ишингиз зарур бўлса, сизга жавоб, дўстим, эртагача хайр.* К. Яшин, Ҳамза. *Чокарнинг елкасидан хуржунни олиб, қўлига бир танга қистирди-да, унга жавоб бериб юборди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Жавоб бермоқ 1) айтмоқ, сўзламоқ; масъул бўлмоқ. *Хўп, бунга ўзим жавоб бераман, аммо ҳалиги гап-гап, машоқ тўхтамасин.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса; 2) виждонан қийналмоқ. *Одам баъзан бир марта нотўғри босиб қўйган қадами учун умрбод жавоб беради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 3) мос келмоқ. *Шифохона бўлимлари ҳозирги замон тиббиёт талабларига жавоб берувчи олтита корпусга жойлашган ва замонавий мебеллар билан жиҳозланган.* Газетадан. **Жавобини бермоқ** Қўйиб юбормоқ, ажралишмоқ. *Яраш полвон тўғри колхоз идорасига йўл солди. У Зумрадни топмоқчи, у ерда, эл-юрт олдида шармандасини чиқариб, жавобини бермоқчи эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. [*Тешабой*] *Фарзандсизлик туфайли эри жавобини бериб юборган бир бевага уйланди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЖАВОБАН [*а.* جواباً] *рвш.* Жавоб бериб, жавоб тариқасида. *Суднинг саволига жавобан Сидиқжон ўн бир гувоҳнинг номини айтганида, Шарофат рўмолининг учини тишлаб, донг қотиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖАВОБГАР [жавоб + *ф.* گر – ишловчи, иш қилувчи] **1** Масъулиятни бўйнига олган, зиммасига масъулият юклаган шахс, масъул. *Ҳар бир ўқитувчи камида йигирма-ўттиз ўғил-қиз ўқувчининг тақдири учун жавобгар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *ҳуқ.* Қилмиши, хатти-ҳаракати учун жавоб берувчи; айбдор, гуноҳкор. *Бундай фисқ-фужур учун ўзингиз жавобгар бўлиб қолманг яна* [*деди Хўжабеков*]. С. Анорбоев, Оқсой.

ЖАВОБГАРЛИК 1 *ҳуқ.* Хатти-ҳаракати, қилмиши учун бирон-бир масъулиятга ёки жазога тортишни талаб қиладиган ҳолат. *Моддий жавобгарлик. Жавобгарликка тортмоқ.*

2 Ўз зиммасидаги вазифанинг бажарилиши учун масъулиятли ҳолат; масъулият. *Маънавий жавобгарлик.* ▬ *Дабдаба камроқ бўлсин-у, жавобгарликни сезиш ҳисси кўпроқ бўлсин.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

ЖАВОБ-МУОМАЛА Сўроқ ёки мурожаатга яраша жавоб. *Абдусамадқори эртадан кечгача идорада ўтирар, иш билан келган колхозчиларга кўпинча раис.. номидан жавоб-муомала қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖАВОБНОМА [жавоб + нома] Жавоб хати.

ЖАВОБСИЗ 1 Жавоб қайтар(ил)маган, жавоб бер(ил)маган. *Редакцияга келган хат жавобсиз қолдирилмайди.*

2 Индамай, сўзсиз. *«Хўп, нон олдираман» дейишга ҳам махдумнинг мажоли қолмаган ҳолда, бошини қуйи солиб, жавобсиз ташқарига жўнади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Рухсатсиз, ижозатсиз; жавоб, рухсат олмай. *Ишдан жавобсиз кетиб қолмоқ.*

ЖАВОН Турли нарсалар қўйиладиган мебель; шкаф. *Китоб жавони. Кийим жавони.* ▬ *Уч деразали кабинет. Шифти пастроқ. Жавонларга пахтаси чаман очилган турли нав ғўзалар ва пробиркалар қўйилган.* С. Нуров, Нарвон. *Жавонларга тарихга оид китоб-*

лар дид билан тахлаб қўйилган. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЖАВОНМАРДЛИК [*ф.* جوانمردی – баланд ҳимматлилик, саховат] *тар.* Олий ҳимматлилик, саховатпешалик. *Паҳлавон Маҳмуд жавонмардлик оқимининг улкан намояндаларидан бири бўлган.* «ЎТА».

ЖАВОНИБ [*а.* جوانب – «жониб» с.нинг кўпл. шакли] *эск.* Тарафлар, томонлар. *Аммо атроф ва жавонибдаги мусулмонлар беҳад фаровон-фароғатда умргузаронлик қилиб, тинчгина савдо-сотиқ, берди-олди қилур эканлар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЖАВОНҒОР Қўшиннинг сўл қаноти.

ЖАВОҲИР [*а.* جواهر – «жавҳар» с.нинг кўпл. шакли] **1** *қ.* **гавҳар.** *Қутичанинг тагида каптарнинг тухумидек келадиган ва капалак рангидек нафис товланган ажиб бир жавоҳир ярқираб ётарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 *кўчма* Қимматбаҳо бойлик. *У билади: эккани чигит эмас, жавоҳир.* Уйғун. *Шарқ халқлари мусиқа мероси жуда қадим тарихга эга, бу мерос бебаҳо жавоҳирларни ўзига жамғаргандир.* Газетадан.

ЖАВОҲИРОТ *айн.* **жавоҳир 1.** *Мирзакаримбой: «Ихтиёр санда, қизим» деган гапни икки-уч марта такрорлаб, жавоҳиротни қайгадир яширди ва истар-истамас, секин юриб чиқиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАВПАЗАК *шв.* Эртапишар, чиллаки. *Кимсасиз бир боққа кириб, ярим дўппи жавпазак песа [ғўра ўрик] териб чиқдим.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар. *Афандининг бир туп жавпазак ўриги бор эди.* «Латифалар».

ЖАВРАМОҚ I Ҳадеб гапиравермок, зериктирарли даражада кўп гапирмоқ, вайсамоқ. *Абдураҳмонбой куйиб-пишиб жавраётган домлага ачинган бўлди ва унга тасалли берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ичкарида қайнонасининг жаврагани, Азизанинг бидирлагани эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖАВРАМОҚ II *шв.* Совуққа қотмоқ, совуқ емоқ, дийдирамоқ. *Туни билан жавраб чиқдим.*

ЖАВРАҚИ Ҳадеб гапираверадиган; вайсақи.

ЖАВҲАР [*а.* جوهر – моҳият, мазмун < *ф.* گوهر – қимматбаҳо тош] **1** Қимматбаҳо тошларнинг умумий номи.

2 *кўчма* Энг қимматли, бебаҳо нарса. *Муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Илм жавҳарларин терган йигит-қиз, Сенинг фарзандларинг, азизим ТошДУ.* Ж. Жабборов, Шогирд сўзи.

3 Жавҳар (эркак ва хотин-қизлар исми).

ЖАВҲАРЛИМУ [*а.+ ф.* جوهرليمو] **1** *эск.* Лимон кислотаси. *Росмана жавҳарлиму лимон мевасини бижғитиб олинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *кўчма* Тили аччиқ, заҳар одам ҳақида.

ЖАД *қ.* **жад(д)**.

ЖАДАЛ [*а.* جدل – баҳс, мунозара; бураш, эшиш] **1** *рвш.* Тезлик билан, тез. *Фан-техника жадал суръатлар билан ривожланмоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Эргаш лом-мим демай, кўчага қараб жадал йўл олди.* К. Яшин, Ҳамза. *Салимахон жадал юриб, кўчага чиқди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

2 *сфт.* Кечиктириб бўлмайдиган, ошиғич, шошилинч. *Элмурод жадал иши бордай чиқиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Жадалига олмоқ Тезлашмоқ, кучаймоқ. *Дўл бир зумда шундай жадалига олдики, ер оппоқ бўлди.* Ш.Рашидов, Ғолиблар.

ЖАДАЛЛАМОҚ Ўз тезлигини, суръатини оширмоқ, тезлашмоқ. *Сидиқжон.. секин бурилиб, анча ергача бошини қуйи солган ҳолда битта-битта қадам ташлаб борди, кейин жадаллади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Даврон ака бир нима деб қўлини силтади-да, жадаллаб кетди.* О. Ёқубов, Излайман. *Абдукабир ака цех томон одати бўйича жадаллаб юриб кетди.* Ф. Мусажонов, Камтарин ишчи.

ЖАДАЛЛИК Тезлик, тезкорлик. *Инобат эрталаб туриб, далага чиқиб кетди ва жадаллик билан пахта тера бошлади.* Ж. Шарипов, Саодат. *Ўринбой Абдуллаев жадаллик билан пулемётдан ўқ ёғдириб, фашист галаларини ерга қапишиб олишга мажбур этди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЖАДВАЛ [*а.* جدول – графаларга бўлиш; рўйхат; чизма] **1** Маълум тартибда сатр, катак ва устунларга, графаларга жойлаштириб берилган маълумотлар. *Кўпайтириш жадвали. Отларнинг турланиш жадвали.* ▬ *Менделеев жадвалин Оламга ўргата олган, Инсонни ер юзида Қила олган кимёгар.* Ғ. Ғулом. *Тузди-ю Мирзо Улуғбек Кўрагоний жадвалин, Сирли осмон тоқига илк Қўйди нарвон ўзбегим.* Э. Воҳидов.

2 Машғулот, дарс, иш, ҳаракат, тадбирчора ва ш.к. нинг ўрни ва пайти кўрсатил-

ган график. *Дарс жадвали. Маърузалар жадвали. Поездларнинг ҳаракати жадвалини тузмоқ. Жадвал билан иш олиб бормоқ.* ▬ *Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг бутун ёз ойлари темир йўл линияларида пассажир поездлари жадвалдан ташқари ҳаракат қила бошлаган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЖАД(Д) [*а.* جدّ – улуғворлик; омад; бобо] *эск. қ.* **бобо 1.** *Бу хусусда шоир билан улуғ жаддингиз хоқон Темур.. ораларида бўлган ҳикояни ҳам эшитганман.* Ойбек, Навоий.

ЖАДДИ: жаддига қолмоқ Касрига, касофатига қолмоқ. *Бинобарин, баъзан гуноҳсиз одамлар унинг жаддига қолиб, жазоланади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ЖАДИД [*а.* جديد – янги; бояги, охирги] *тар.* Янгилик тарафдори, жадидчилик ҳаракатининг қатнашчиси. *Ўтган кун кечаси худди шу ерда катта мажлис қилинди, йигирмага яқин одам тўпланди. Жадидлар, уламолар, яна Ҳаким акамнинг обрўли бир неча дўстлари бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Усули жадид 20-аср бошларида эски мактабдаги тартиб ва ўқитиш усуллари ўрнига янги тартиб ва таълим-тарбия усули; бу усул, жумладан, хат-савод чиқаришда ҳижо тизими ўрнига товуш тизимини киритган. [*Абдишукур*] *Газета, журнал мутолаасига одатланди. Тошкентга қайтгач, у ўзини энг «кўзи очиқ» ва «янги фикрли» мусулмонлардан ҳисоблаб, «усули жадид» мактабларини очишга ташвиқот юргиза бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАДИДИЗМ Жадидчилик. *Жадидизм тарафдорлари.*

ЖАДИДЧИЛИК *тар.* 19-асрнинг иккинчи ярми, 20-аср бошларида туркий халқлар ва тожиклар орасида юзага келган, Туркистон халқларининг манфаатларини ифодалаган, маърифат учун курашган, ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилган, диний мактабларнинг дастурларига дунёвий фанларни киритишга интилган маърифатпарвар оқим.

ЖАД(И)Й [*а.* جدى – эчки боласи] **1** (Ж– *катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири; Далв ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган (*қ.* **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида ўнинчи ойнинг арабча номи (22 декабрь – 21 январь даврига тўғри келади).

ЖАЖАҚЛАМОҚ *шв.* Ғийбат қилмоқ; ёмонламоқ.

ЖАЖЖИ Кичкина, кичик; мўъжазгина. *Бош вазир олисларда шундай милтираб турган жажжи юлдузларга қараб, бир нафас жим бўлиб қолди.* С. Сиёев, Аваз. *Гитанинг малла сочли жажжи боласи ҳам бу гапларга тушунаётгандек, қариянинг қорайиб қотган бармоқларига тикиларди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЖАЖМАН *шв.* Жажжи. [*Бола*] *Ўзи ҳам жажман, ўткир қиличини, ханжарини, кичик, лекин ростакам ўқ-ёйини тақиб олди.* Ойбек, Навоий.

ЖАЗ I Тўғралган, тўғрамча гўшт. *Ҳайдар совиб қолган кабобнинг битта жазини олиб, оғзига солди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЖАЗ II *тақл.с.* Қизиб турган нарсага совуқ нарса текканда ёки бирор нарса қоврилганда ва ш. к. ҳолларда чиқадиган товуш ҳақида. *Момиқдай қўл унинг кафтига тушганда, аллақаери жаз этиб, энтиккандай бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЖАЗ III *айн.* **жиз** I.

ЖАЗ IV [*ингл.* jazz – оркестр] Кўпинча уриб ва пуфлаб чалинадиган асбоблардан тузилган оркестр. *Жаз шу ерда, саҳнанинг ўзида жойлашган эди.* «Ёшлик».

ЖАЗ V *шв.* Туя эгари. *Туянинг ўзига яраша жази бор.* Мақол.

ЖАЗАВА [*а.* جذبه – ўзига тортиш; жалб қилиш] Ўзини йўқотиш даражасидаги асабийлик ҳолати. *Сулаймон ака алам жазавасида ёниб, терга пишиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Актриса Зебунисодаги бир дақиқалик чақиндек ўтиб кетувчи дағаллик, жазава, шафқатсизлик каби хусусиятларни кўрсатишдан чўчимайди.* Газетадан.

Жазаваси тутмоқ Асабийлашмоқ, қаттиқ жаҳли чиқмоқ. *Отлиқ ва пиёда солдатларнинг яна жазавалари тутди.* Н. Сафаров, Наврўз. *Охири йигитнинг жазаваси тутди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *У* [*Мансур*] *жазаваси тутганда, ўртага ким тушса аямас, дўппослайверарди.* «Муштум».

ЖАЗБ [*а.* جذب – ўзига тортиш]: **жазб қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Ўзига тортмоқ, мафтун қилмоқ. *Раъно келинларча Анварга салом қилди ва жазб қилгандек Анварнинг яқинига бориб тўхтади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Унинг [йигитнинг] бутун туриш-турмуши Шербекни ўзига жазб этди-қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЖАЗБАР *шв.* Чизғич. *Қачон унинг уйига борса, Акмал катта оқ қоғозга термилиб, учи*

игнадай қилиб очилган турли қаламлар, ҳар хил жазбарлар билан нималарнидир ўлчаб, чизиб ўтирган бўлади. М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЖАЗ-БУЗ Жаз II с. такр. *Зумрад жаз-буз эткaзиб, қозонга гўшт ташлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЖАЗВАЛ *қ.* **жазбар 1**. *Дераза тагида ўтирган аёл қўлидаги сиёҳ доғли жазвал билан тизига уриб, ора-сира ҳар тўғрида гапириб қўяди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **чизиқ 2.** *Жазвал тортмоқ.*

ЖАЗ-ЖАЗ *айн.* **жаз-буз**.

ЖАЗ-ЖУЗ *айн.* **жаз-буз**.

ЖАЗЗА *с.т.* **жазо.** *Жаззасини есин. Жаззасини тортсин.* ▬ *Сен билан мен бўлсак, қаттиқ нонни ҳам ея берамиз, жаззаси чойга бўктириш-да.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖАЗИЛЛАМА Қизиб турган, куйдирадиган даражада иссиқ; қизиқ. *Жазиллама тупроқ.* ▬ *Жазиллама қайноқ сомса уйилган лаганни кўтариб оқсоч кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЖАЗИЛЛАМОҚ «Жаз» этган товуш чиқармоқ. *Шийпондан нарида жазиллаб кабоб пишарди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Юраги жазилламоқ 1) кўнгли чопмоқ; кўнглига ёқмоқ. *Бу қурилиш тўғрисида юрагим жазиллаяпти, ҳақиқатан ажойиб иш.* Ойбек, О.в.шабадалар; 2) юраги ачимоқ, ачинмоқ. *Акромнинг фақат юраги тилиниб, туз сепилгандек жазиллаб ачишарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЖАЗИЛЛАТМОҚ 1 Жазилламоқ фл. орт. н.

2 Куйдирмоқ, узиб олаётгандек таъсир кўрсатмоқ. *Офтоб жазиллатмоқда. Изғирин қулоқларимни жазиллатяпти.*

ЖАЗИРА [*а.* جزيره – орол, сув ўртасидаги қуруқлик] *шв. қ.* **жазирама.** *Саратон ҳам ёнгувчи менинг оташларимдан, Жазиралар чекингай менинг бардошларимдан.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим. *Саратоннинг узоқ ва жазира кунининг бирор дақиқасини ҳам беҳуда ўтказмайди.* Газетадан.

ЖАЗИРАМА 1 *сфт.* Жуда иссиқ, куйдирадиган даражада. *Жазирама офтоб.* ▬ *Июнь охирламай, жазирама кунлар бошланди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Ёзнинг жазирама иссиғи еру кўкни қиздиради.* Р. Файзий, Она.

2 *от* Жуда иссиқ, офтоби куйдирадиган жой.

ЖАЗЛИҚ Эгар қоптоли остига қўйиладиган бир жуфт юмшоқ от абзали. *Сафар хайрсиз бўлмади. Дастлаб тош устини қоплаб ётган гулдор кигиз тўқимни учратдилар. Сал нарироқ бориб, иккита жазлиқни кўрдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖАЗМ [*а.* جزم – қатъият; қатъий ишонч]: **жазм қилмоқ** *(ёки* **этмоқ***)* Қатъий қарор бермоқ. *Рауф баҳсни ечишга жазм қилди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Собир то кампирнинг розилигини олмагунча тўй қилишга жазм қилмади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЖАЗМАН [*а.* جزماً – қатъий ишонган, ишончли ҳолда] **1** Қатъий қарор қилган, қарор берган. *Жазман харидор.*

2 *кўчма* Ўйнаш, хуштор [*Акбар:*] *Менга эмас, раисга кўрсат. Жазманингни йўлдан урган ўша.* Уйғун, Дўстлар. *Лекин сизнинг жазманларингиз кўп экан.* П. Қодиров, Қадрим.

3 *шв.* Талабгор, даъвогар. *Бир ўринга 10, 20, 30 бўлажак студент жазман бўлгандан сўнг, ким имтиҳонни камида «4», «5» га топширган бўлса, ўша қабул қилинади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАЗМЛАНМОҚ Узил-кесил, қатъий қарор қилмоқ, қарор бермоқ. *-Бек ошиқ, – деди кўнглида* [*Ҳасанали*] *ва жазмланиб, ҳужра эшигига юриб келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖАЗО [*а.* جزاء – қасос; мукофот; сазо; жарима] **1** Айб ёки жинояти учун кўриладиган чора. *Оғир жазо. Ўлим жазоси. Жазо бермоқ.* ▬ *Кўряпсиз-ку, ҳақ жойига қарор топади, ноҳақ жазосини олади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Қилмишига яраша кўриладиган оқибат, тўланадиган товон. *-Зап қилгансиз, Отабек, – деди уста, – ёмонларнинг жазоси шундай бўлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўй, қизим, Нури туҳмат қилган бўлса.. бир кун жазосини тортар, изза бўлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирон ишни амалга ошириш йўли; чора, илож. *Бунинг [тоғ қазишнинг] жазоси бир қулоч-бир ярим қулочликлик беш-олтита таёқ. Уёғи осон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жазо отряди (*ёки* **экспедицияси**) Чор Россияси ва хонликлар даврида: меҳнаткашларнинг норозилик ғалаёнларини ёки қўзғолонларини бостириш учун тузилган ҳарбий полиция отряди. *Ҳадемай, сара туркман сарбозлари – хоннинг махсус жазо отряди етиб келди.* С. Сиёев, Аваз. **Жазога тортмоқ** Жазо, азоб бермоқ. *Хўжа Абдуллодек кўрнамакни*

жазога тортқумиздир [*деди подшоҳ*]. Ойбек, Навоий. **Нима жазо?** *с.т.* Нима азоб? *Нима жазо, куннинг иссиғида кетмасангиз?*

ЖАЗОЙИЛ *фольк.* Милтиқнинг бир тури; кичик тўп, замбарак. *Оғзи катта жазойиллар Отилди майдон ичинда.* «Эрали ва Шерали». *Шоҳ келгунча очилмайди дарвоза, Зулм қилсанг, жазойилдан отаман.* «Рустам».

ЖАЗОЙИР [*а.* جزائرى – оролга, Жазоир давлатига алоқадор] *эск.* **1** Қиличнинг бир тури. *Ёвмут қалпоқ кийиб, жазойир қилич таққан, кўзига қон тўлган карвонбоши даставвал Сариқни отиб ўлдирди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. [*Азизбек*] *Тилла жабдуқли қизил айғирга минган, қуёш ёғдуси билан турли тусга кириб товланадиган, ёқа ва этакларига олтин уқа тутилган кимхоб тўн кийиб, белидаги олтин камарга кумуш қинли жазойир қилич осган бир киши эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Куй, рақснинг бир тури. *Тикувчилар артелининг ҳаваскор созандалари тўгараги бутун состави билан келган. Маҳалла раиси Турғуной «Жазойир»га йўрғалаб юрибди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

ЖАЗОЛАМОҚ Жазо бермоқ; таъзирини бермоқ; адабини бермоқ. -*Ҳазрат ҳақиқат қилиб, салтанат пулини ўғирлаётганларни жазолайди*! – *деди Меъмор қатъият билан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЖАЙБ [*а.* جيب – чўнтак; ёқа] *эск.* Чўнтак, ҳамён. *Ахир уч десат(ина) жойдаги сойнинг тошидек қовунлари қани, кимнинг жайбига кетди?* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЖАЙДАРИ 1 Маҳаллий зотга мансуб, маҳаллий (уй ҳайвонлари ва ўсимликлар ҳақида). *Жайдари олма.* ▬ *Хайриятки, уйимизда битта жайдари сигиримиз бор экан.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Қўлбола; кичикроқ. *Ўзимизнинг жайдари кетмонлар ҳам кифоя қилар эди-ку?* [*деди Мирвали*] А. Қодирий, Обид кетмон.

3 *кўчма* Оддий, содда, дўлвар. *Жайдари одам.* ▬ *Менинг бир жайдари фалсафамдир шул: Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.* А. Орипов.

ЖАЙНАМОҚ *фольк.* Яшнамоқ, гул-гул очилмоқ. *Саҳар вақти майна гулдай жайнадинг, Осойишта танда жоним қийнадинг.* «Равшан». *Қиз, хотинлар аралаш бўп ўйнайди, Қизил гулдай бўлиб бари жайнайди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЖАЙРА Териси дук шаклли игналар билан қопланган, кемирувчи, сутэмизувчи ҳайвон. *Тоғларда одатда айиқ, бўри, ёввойи чўчқа, силовсин, бўрсиқ, тулки, жайра учрайди.* М. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси.

ЖАЙРАН, жайрон Оҳуларнинг Сурия, Эрон, Афғонистон, Кавказорти ва Ўрта Осиёда тарқалган бир тури; қорақулоқ. *Чўлда кезган жайронлар гоҳ сув излаб, гоҳ дўнгликлар оша қувалашиб чопишганича, Зомин буғдойзорлари, қирлари бағрига кириб бориб қолади.* Ш. Ғуломов, Бўз ерлик бўз йигитлар. *Ҳа, овга чиқиб, қуруқ қайтгани йўқ. Жайронлар тўлиб-тошиб ётипти.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Жайрон кўз Чиройли кўз; кўзи жайронникига ўхшаш. *Эй, Қўқоннинг шўх қизлари, барно қизлари, Бодом кўзлар, жайрон кўзлар, шаҳло кўзлари.* А. Абдураззоқ, Қўқон қизларига.

ЖАЙҲУН [Ж – *катта*] *тар.* Амударёнинг қадимги номи. *Турналар қатор-қатор, Сафга тизилиб ўтар, Кўл ушлашиб, қувнашиб, Жайҳун сарига кетар.* Д. Файзий.

ЖАКЕТ [*фр.* jaquette – калта уст кийим; куртка] Калта уст кийим. *Элмира: -Каравотнинг устида дазмолланган шимингиз билан жакетингиз ётибди,* – *деди совуқ оҳангда.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ЖАКЕТКА *с.т.* Жакет.

ЖАЛА [*ф.* ژاله – ёмғир томчиси; кучли ёмғир] **1** Шиддатли ёмғир. *Жала тонгга яқин тинди.* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи. *Ғўзалар жала зарбидан бир томонга ёнбошлаб қолганди.* Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар.

2 *физ.* Элементар заррачаларнинг шиддатли оқими. *Электронлар жаласи.*

ЖАЛАЛАМОҚ Кўпайиб, улғайиб кетмоқ. *Яраси жалалаб кетибди. Кўзиқорин жалалаб чиқди.*

ЖАЛАНГЛАМОҚ *шв.* Ҳайрон бўлиб, аланглаб қарамоқ. *Шербек ўзини йўқотиб қўйди. Ўтирганларга савол назари билан жаланглаб боқди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Патма кўл тепасидаги тегирмонга етиб келганида, хавотирда атрофга жаланглаб турган Эминҳожига кўзи тушди.* Т. Ашуров, Марварид тут.

ЖАЛБ [*а.* جلب – диққатни тортиш, ўзига қаратиш]: **жалб этмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) Ўзига тортмоқ, ўзига қаратмоқ. *Диққатни жалб қилмоқ.* ▬ *Ажойиб суҳбатда Юсуфжон қизиқ*

шоирларни ҳам ўзига жалб қила олар эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Назиранинг таклифи билан фирмага ўнинчини битирган ўнларча қизлар жалб этилди.* Ё. Шукуров, Марғилон гўзали.

ЖАЛЛОБ [*а.* جلّاب – ўзига тортувчи; савдогар] Олиб сотувчи. *Жаллоб – турган-битгани қаллоб.* Мақол. ▬ *Бу майдон* [*базм бўлаётган жой*] *айни замонда ғўза бозори бўлиб, кундузи сотилмай қолган ёки жаллоблар сотиб олиб, ҳали ташилмаган ғўза тўла қопқанорлар ҳар томонда тартибсиз ётарди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Мўйдиннинг жарчиси томоқ йиртиб қичқириб юрибди: -Ҳой, ун ялаган аллофлар, қон ялаган қассоблар, чорбозорчи жаллоблар! Мўйдинбекни қутланглар.* Ё. Шукуров, Қасос.

Аспи жаллоб *қ.* **аспижаллоб.** *Ҳалиги ерда бир мўйсафид келиб, ҳассасига суялиб, тикилди-қолди. Ўзи илгари аспи жаллоб экан.* Ойбек, Танланган асарлар. **Хотин жаллоб** Хотин олиб, хотин қўювчи. *-Бу ҳам* [*Мурод*] *отасига ўхшаб хотин жаллоб чиқди, – деди Лазокат буви.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ЖАЛЛОБЛИК 1 Олибсотарлик *У бутун умрини жаллоблик, қаллоблик билан ўтказган одам.* С. Айний, Қуллар. *Жаллоблик қилиб, йилқи етаклаб юрадиган одамга ўхшамайди.* «Муродхон».

ЖАЛЛОД [*а.* جلّاد – ўлим жазосини ижро этувчи] **1** Ўрта Осиё хонликларида: ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг бошини олувчи, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмни ижро этувчи одам. *Калла олиб ўрганиб қолган жаллод янги каллани олаётганида кўз юммаганидек, ҳоким ҳам одамларни отиб, уйларига ўт қўйиб одатланиб қолган киши совуққонлиги билан ўшқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Жаллод мени унутмайди ҳеч, Бир гуллаган дорга осади.* У. Азим, Куз.

2 *кўчма* Каллакесар, қотил; шафқатсиз. *Бильакс, сиз ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йигит.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фашист жаллод қон ичидан кўтарибди бош.* Ҳ. Пўлат.

ЖАЛЛОДЛИК 1 Жаллод касби, жаллод мавқеида бўлишлик; ўлим ҳукмини ижро этишлик.

2 *кўчма* Золимлик, ёвузлик. *Бизни ким писанд қилмай, яъни қилса жаллодлик, Тор-мор этиб охир, қора ерга пинҳон қил.* Ғайратий.

ЖАЛОЙИР *қ.* **жалойирлар**.

Жалойирга жар солмоқ *айн.* **жар солмоқ 2** *қ.* **жар** II.

ЖАЛОЙИРЛАР Ўзбек халқининг генетик таркибига кирган қабилалардан бири.

ЖАЛЮЗА [*фр.* jalousie – деразa эшиги; дарпарда] Очилиб ёпиладиган параллел пластиналардан тузилган парда, тўсиқ (ҳаво ва ёруғлик оқимини ростлаб туриш учун хизмат қилади).

ЖАМ [*а.* جمع – тўпланиш, бирикиш; йиғинди] **1** Йиғилган, тўпланган. *Жам бўлмоқ.* ▬ *Эрталаб қуёш қум довонларидан кўтарилмаган пайтда Мастура хола чой олиб келди, ҳамма жам эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кўзларингда дунё завқи жам, Хандон уриб кулсанг, эй шўх.* М. Эгамбердиева, Гулбарг.

2 *эск. айн.* **қўшув 2.**

Жам қилмоқ 1) тўпламоқ, йиғмоқ. *Шаҳар халқин барини жам қилармиз, Кўрганингдан зиёд олиб берармиз.* «Муродхон»; 2) *мат.* қўшув амалини бажармоқ, қўшмоқ. **Жамоат жам** *қ.* **жамоат. Хотирингиз жам бўлсин** Хотиржам бўлинг, ташвиш қилманг, хавотир олманг. *Биз ҳеч қачон ёлғиз қолмаймиз! Хотирингиз жам бўлсин, бизга сиздақа ғамхўр керак эмас!* [*деди Ойгул*]. Уйғун, Асарлар.

ЖАМАЛАК 1 Қиз болаларнинг ҳали унча ўсмаган, ёйилиб кетмаслиги учун, пахта пилик қўшиб ўрилган сочлари. *У* [*Раъно*] *қулоқлари устидаги жамалак сочларини ликиллатиб, апил-тапил оқ пақирчадаги сутни товоқларга қуяётибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *фольк.* Сохта кокил. *Кал қиз ҳам, қирқта қизни ўзига ёллаб олиб, қора иплардан орқасига жамалак қилиб, бу ҳам мис патнисларга.. солиб, кўтартириб жўнади.* «Муродхон».

3 *шв.* Сочга тақиладиган зийнат асбоби; сочпопук.

ЖАМАРҒА 1 *айн.* **жамғарма**.

2 Бисот, мол, бойлик. *Тўй белгилангандан бир кун кейин жамарғаси ҳам келди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖАМБИЛ *айн.* **жанбил**. *Рисолат отин.. боғдан бир этак кўкат: кашнич, жамбил, райҳон, ялпиз, отқулоқ юлиб чиқиб, кўк шўрвага уннади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Жамбил, райҳоннинг иси етти маҳалла нариdан димоққа урилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЖАМИ [*а.* جميع – барчаси, йиғиндиси] Ҳамма, барча. *Одамлар тўлқини Тошкентнинг жами кўчаларидан дарё-дарё бўлиб оқиб, бирбирига қўшилар, сўнгра ҳаммаси қадимги Шайхантоҳур бўйлаб янги шаҳар томонга денгиздай тўлқинланар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кузда жами пахта машиналарда териб олинди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЖАМИКИ Барча, ҳамма, бутун. *Жамики жонивор баҳорнинг файзу нашъасидан баҳраманд.* М. Жўра, Изтироб. *Эски шаҳарнинг жамики хотин-халажи таёғу оташкурак кўтариб, мана шу ерга келдик.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЖАМИЛА [*а.* جميله – гўзал, сулув] **1** Соҳибжамол, чиройли, гўзал. *Мирзо Анвар каби донишмандни етиштирган киши оқила ва жамила қиз тарбия қилмаганмикин, деган андишага борибдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Жамила (хотин-қизлар исми).

ЖАМИЯТ [*а.* جمعيّت – йиғилиш; уюшма; гуруҳ] **1** Тарихий тараққиётнинг маълум босқичида моддий бойликлар яратишнинг муайян усуллари ва муайян ишлаб чиқариш муносабатлари билан характерланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи. *Феодал жамият.* ▬ *Жамият олға қараб ҳаракат қилар экан, ёшлар ҳам ўша бараварида ўсишлари керак.* Газетадан.

2 Бирор мақсадда тузилган ихтиёрий бирлашма, ижтимоий ташкилот. *«Пахтакор» спорт жамияти. Матлубот жамияти. Кўрлар жамияти.* ▬ *Китобсеварлар жамияти олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.* Газетадан. *Олим жамиятнинг бир неча вакиллари билан Венгрияга борди.* «Фан ва турмуш».

3 Маълум доира, давра кишилари, аҳллари. *-Албатта, терифуруш савдогарларга билимнинг нима ҳожати бор? Биз, албатта, у жамиятнинг кишилари эмасмиз. Бизда билим ҳаёт билан қўшилиши керак, – деди Давронов.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖАМИЯТШУНОСЛИК 1 *эск.* Шўролар даврида ўтган асрнинг 60-йилларидан барча ўрта мактабларда ўқитилган, жамият ва унинг тараққиёт қонуниятлари ҳақидаги ўқув фани.

2 *айн.* **социология**.

ЖАМЛАМОҚ 1 Тўпламоқ, йиғмоқ. *Ҳаммасини жамлаб, алламаҳалда Қумбой бригадирникига жўнадик.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Рақибининг қорнига чиқиб олган Тоғай бор аламини муштига жамлаб, унинг дуч келган жойига гурсиллатиб тушира кетди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

2 *эск. мат.* Жам қилмоқ, қўшув амалини бажармоқ, қўшмоқ.

ЖАМЛОВЧИ: **жамловчи сон** *тлш.* Шахс ёки нарсаларнинг йиғиндисини билдирувчи сон, мас. *икков, учаласи, тўртовимиз, бешовлон.*

ЖАМОА [*а.* جماعه – бирлашма; уюшма; гуруҳ] **1** Қишлоқ, маҳалла ва унинг аҳолиси. *Дўстмат пулни санаб, чўнтакка солмасданоқ, жамоада ҳар бир оиланинг туйнугидан чиқадиган тутунга қараб, қозонда нима қайнаётганини сезадиган хумкалла элликбоши етиб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *эск.* Қишлоқ кенгаши. *Дадамни икки марта жамоа чақиртирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аризага Қумқишлоқ камбағал деҳқонлари ва жамоа фаолларидан юз ўттиз киши қўл қўйган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Муайян, бир хил иш бажарувчи кишилар гуруҳи. *Икки-уч йилдан бери уйларига кун сайин совчилар жамоаси ёғилиб ётганлигидан, бу совчилар ҳам ўшаларнинг бирисидир, деб ўйлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Халойиқ, биродарлар. *Тиловат сўнгида юрт мўйсафидларидан бири ўрнидан турди: -Жамоа, Асқар оқсоқол қандай одам эди? –Раҳматли яхши одам эди.* «Ёшлик».

ЖАМОАТ [*а.* جماعت – бирлашма; уюшма; гуруҳ] **1** Халқ, халойиқ, кўпчилик. *Жамоат мулки. Жамоат хўжалиги.* ▬ *Жамоат орасида ҳар қачон хушҳол, хушчақчақ Жайноқ исмли батракни кўпчилик хотирласа керак.* Н. Сафаров, Наврўз. *Жума намозидан сўнг ташқаридаги жамоат дув этиб ўз ишига кетди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Кўпчиликка, оммага қарашли, тегишли. *Зилзиладан болалар боғчалари, мактаб, кинотеатрлар, завод-фабрикалар, жамоат биноларидан қанчалари шикастланди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Йигит-қизлар сифатли ва самарали меҳнат қилиб, жамоат чорваси учун мўл озуқа тўпламоқдалар.* Газетадан.

Жамоат жам Ҳамма йиғилган, ҳамма ҳозир. *Овқатни Комилжон келганда сузасан, жамоат жам бўлиб ичамиз.* И. Раҳим, Ихлос.

-Ўҳў, жамоат жам-ку, — деди Бувниса хола Фотима опа ва хотинларга қараб. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ЖАМОАТЧИ 1 Жамоат ишларида жонбозлик кўрсатувчи; фаол. *Санжар Сиддиқов таржимон, публицист, журналист бўлибгина қолмай, айни вақтда ишчан жамоатчи эди.* Ҳ. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Бирор идора, ташкилотга аъзо эмас, кўнгилли. *Жамоатчи автоназоратчи.* ▬ *Шу ўринда жамоатчи мухбиримиз Ҳ. Илҳомовнинг йўллаган хабари ҳам диққатга сазовор.* Газетадан.

ЖАМОАТЧИЛИК 1 Халойиқ, халқ, омма. *Биз ижодий кечаларни шундай ўтказайликки, фақат ёзувчилар қатнашмай, бунга кенг жамоатчилик қатнашсин.* Газетадан. *Тартиббузарларга қарши курашда биз кенг жамоатчиликнинг мададини ҳамиша сезиб турамиз.* Газетадан.

2 Жамоат, кўпчиликка алоқадор ишларда фаол қатнашиш, фаоллик. *Жамоатчилик бурчи.*

Жамоатчилик асосида *ёки* **жамоатчилик йўли билан** Жамоат, халқ кучи, фаолияти билан; ҳашар йўли билан, пулсиз. *Жамоатчилик асосида қурилган мактаб.*

ЖАМОЛ [*а.* جمال — гўзаллик, сулувлик; жозибадорлик] **1** Ҳусн, кўрк, чирой. *Бу баҳорнинг хазони йўқдир. Кун сайин тўлишар жамоли.* Уйғун. *Серқуёш Аму соҳилларига боқиб, унинг жамолига тўймайсан киши.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Чиройли юз, чеҳра. *Ғуломжон унинг жамолини кўриб, сурат бўлиб қолди. Ўн беш-ўн олти ёшларда, юзлари ширмондай чиройли қиз эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Жамол (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЖАМУЛЖАМ [*а.* جمع الجمع — кўпларнинг кўпи; кўпдан-кўп] Ҳамма, барча, жами. *Харидорнинг жамулжам пули бир сўм етти тийин чиқиб, уч тийин етмай қолди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Жамулжам бўлиб 1) ҳаммаси бўлиб; 2) тўпланиб, йиғилиб. *Аҳмад билан Қумри ҳам киришди. Ҳаммамиз жамулжам бўлиб, ҳангомалашиб ўтирдик.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЖАМҒАРМА 1 Харажатлардан, чиқимдан орттириб, тежаб-тергаб тўпланган пул; маблағ. *Меҳнат жамғармаси.* ▬ *Элчиев ҳам жамғармасидан яхлитини кўтариб, бозорўчар тараддудига тушди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Иморатларнинг ярми жамоа йўли билан қуриб берилди, ярмини деҳқонлар ўз шахсий жамғармаси ҳисобига қурди.* Газетадан.

2 Эҳтиёт қилиб сақланадиган жой; фонд. *Айрим расмлар музей жамғармасида сақланмоқда.*

3 Маълум бир фаолият (илмий изланиш, ўқиш-ўқитиш ва ш. к.) турига, кишиларнинг муайян ижтимоий гуруҳига ёрдам бериш мақсадида тузилган ташкилот; фонд. *Ижтимоий жамғармалар. Халқаро жамғарма.*

ЖАМҒАРМОҚ Пул, бойлик ва б. моддий нарсаларни йиғмоқ, тўпламоқ. *Мен таҳсил учун пул жамғариш мақсадида Лоҳурда катта бир омборда юк ташувчи бўлиб ишладим.* Ойбек, Нур қидириб. *Бу рўзғор буюмларини Йигитали ҳовли олиш мақсадида жамғариб юрган пулларига харид қилган эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЖАНА *фольк. шв.* Дўнг, тепа. *Бир лочинман, қанотимдан қайрилдим, Ёмғир ёғмай, жана ерда тойрилдим.* «Гулихиромон».

ЖАНАЛАТМОҚ *шв.* Ёқалаб, баландлаб юрмоқ. *Қир келганда қиялатди, Жар келганда жаналатди, Бедов отларни ўйнатди.* «Эрали ва Шерали».

ЖАНБИЛ 1 Бир йиллик хушбўй ўсимлик; ошкўк. *Ўйнаб юрар кийиклар Жанбил ўсган тоғида.* Уйғун.

2 Жанбил (эркаклар исми).

ЖАНГ [*ф.* جنگ — уруш] **1** Ҳарбий қисмларнинг, қуролли кучларнинг қонли тўқнашуви, уруш. *Жанг қилмоқ.* ▬ *Мадад учун юборилган немис танкларининг йўлини бизнинг танкларимиз тўсган, сойликда танклар жанги бўлмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шайбонийхон ҳали ҳеч қайси жангга бунчалик жон-жаҳди билан тайёрланган эмас.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қарама-қарши ижтимоий гуруҳларнинг тўқнашуви. *Синфий жанг.* ▬ *Қарама-қарши ғоялар кураши эса сўнгги нафасгача давом этадиган ҳаёт-мамот жангидир.* «ЎТА».

3 *спрт.* Мусобақа. *Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам қаттиқ жанглар давом этаётир.* Газетадан.

4 Баҳс, мунозара; жанжал. *Очилгач келиб эртаси ҳужраси, Қилур жангу жанжал ҳар эртаси.* Муқимий.

5 *кўчма* Астойдил меҳнат. *..бу йил биз 3 млн 350 минг тонна «оқ олтин» учун жанг олиб бормоқдамиз.* «Шарқ юлдузи».

Даҳанаки жанг *қ.* **даҳанаки. Қўл жанги** Қўл билан олишув. *[Волков:] Генерал, солдатлар қочмоқдалар.. Анҳор ёқасида қўл жанги боряпти.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЖАНГАРИ [*ф.* جنگور – «жангвар» ёки جنگاور – «жанговар» сўзидан – жанг қилувчи, ботир; шижоатли] Уришқоқ, жанжалкаш; урушга тўймайдиган. *Жангари бола.* ■ *-Парво қилманглар. Муҳаббатнинг ўзи шунақа жангарироқ, – деди боласидан меҳр тўла кўзларини узмай Турсуной.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Жанг кўриб, қон кўравериб, жангари бўлиб кетган отлар асабий кишнарди.* «Саодат».

ЖАНГАРИЛИК Уришқоқлик, урушга, жанжалга тўймаслик. *Унинг кўзларида жангарилик ва муросасизлик учқунлади.* «Ёшлик». *Мен қаҳрамонманми? Бу дунёга келиб, Жангарилик ҳиссин Дилга солмадим.* Э. Воҳидов, Келажакка мактуб.

ЖАНГГОҲ [*ф.* جنگگاه – жанг майдони] Жанг майдони. *Бир кўришга зорман, тунда бедорман, Қайси жанггоҳдасан, марди майдоним?* Т. Тўла. *-Қани энди бир мўъжиза бўлиб, биз ҳам ёшариб қолсаг-у, Йўлдошвойнинг ёнгинасида жанггоҳга мардона кирсак. Гитлер қизиталоқнинг адабини берсак! – деди Қўлдош бобо.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЖАНГ-ЖАДАЛ, жангу жадал Шиддатли жанглар, қизғин жанглар, курашлар. *Унинг баданидан она тупроқ интизорлиги, жанг-жадал суронлари ҳордиғини суғуриб олаётгандек эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У* [*Сипарангиз*]: *-Ҳа, сен билан жанг-жадал қилмоқчи эдим, аммо бу бахт менга муяссар бўлмади, – деди.* М. Осим. Аждодларимиз қиссаси. *Бобурнинг ҳар муҳим ишда онасидан маслаҳат сўраши Қосимбекка унча ёқмас эди. Чунки аёллар жангу жадалдан жуда безган эдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЖАНГДОВУЛ Соқчи, қўриқчи. *Бобурга ёв оз кўринди. У тез отланди-ю, қолган навкарлари билан ёв жангдовулларига ҳамла қилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЖАНГИЛЛАМОҚ Жаранглаган овоз чиқармоқ. *Ҳужранинг деворларидан чанг ёғди, токчадаги мис лаган жангиллаб кетди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

ЖАНГИР-ЖУНГУР *тақл. с.* Жарангдор нарсалардан, мас., қўнғироқнинг узлуксиз урилишидан чиқадиган товуш ҳақида. *Эшик ёнидаги сув тўла тунука бакнинг қулоғига занжир билан боғланган қўпол кружка қўлдан қўлга ўтиб, жангир-жунгур қилади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЖАНГКАРНАЙ *эск.* Жангга чақирувчи карнай. *Аммо янграб жангкарнай, Босиб келди Зулқарнайн.* Х. Даврон, Қақнус. *Жангкарнайлар чорларкан.. Ватан деб ўларкансан.. Бил: жангда ўлмоқ шараф.* «Қирқ ошиқ дафтари».

ЖАНГНОМА 1 Уруш ва жанглар ҳақидаги асар, қисса. *Мен эски жангномаларни ўқиб ўрганганим учун, газетанинг хати менга ёт туюлмади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *кўчма* Қаҳрамонлик, ғолиблик мадҳияси. *Биз қаҳрамонлар ичига тушувимиз, уларнинг жангномаларини яратмоғимиз керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАНГОВАР [*ф.* جنگاور – шижоатли, ботир] **1** *эск. қ.* **жангчи**. *Катта майдон жанговарлар билан тўла.* Ойбек, Навоий.

2 Уруш, жангга оид, уруш-жанг билан боғлиқ. *Жанговар ҳаракат. Жанговар тартиб.* ■ *Петька унинг сўзига диққат билан қулоқ солди-да, мийиғида кулди ва жанговар бир эпизодни айтиб берди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Сўнгра.. учинчи рота командирига ўнг қанотдаги душман ротасининг жанговар позициясини аниқлашни буюрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Жангларда чиниққан, уруш-жангларда ўзини кўрсатган; шижоатли. *Жанговар халқ. Жанговар полк.* ■ *Асриян қанча кўп зерикса, шунча кўп батальонини, ундаги жанговар дўстларини эслайдиган бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Жанговар йигитларнинг тантилиги уларга жуда қимматга тушиб кетди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

4 *кўчма* Кундалик, ҳар доимги; фаол; оташин. *Адолатнинг: «Ўзимизни ишда ҳам кўрсатайлик», деган сўзлари бригада қизларининг жанговар шиори бўлиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Жуда муҳим, тез фурсатда бажарилиши зарур. *Қисм Симферополни озод қилиш учун жанговар топшириқ олди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Жанговар варақа *эск.* Зарбдор ишларни ёритадиган ёки унга даъват қиладиган варақа. *«Жанговар варақа»ни ўқиб турган ёшлар олдида Муҳиддин анча туриб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЖАНГОВАРЛИК Курашга чорлаш; қаҳрамонлик, мардоналик. *Таассуфки, ўтли сўз, жанговарлик ўрнини раҳбарлар соясига қуллуқ қилиш, яъни лаганбардорлик эгаллаб олган.* Газетадан.

ЖАНГСИЗ Урушсиз, уруш қилмасдан. *Бўлинма кечагина душман батареяси турган тепаликни айланиб ўтди ва жангсиз илгари қараб юрди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЖАНГЧИ 1 Уруш, қатнашчиси, урушда қатнашаётган киши; ҳарбий. *Жангчиларнинг қудратли овози ер-кўкни ларзага келтирди, замбарак овоздан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, душман окоплари устига ёғилди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген. *Жангчилар бирпасда сафга чизилдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ҳарбий хизмат ўтовчи оддий аскар, солдат.

ЖАНДА [*ф.* ژنده – эски, йиртиқ; эски ва йиртилган кийим] **1** Дарвеш ва қаландарларнинг улоқ-қуроқ тўни. *..Битсин энди эски турмуш, Ул кулоҳу жандалар.* Ҳамза.

2 Эски, йиртиқ, улоқ-қуроқ, жулдур кийим. *Эртаси куни Жалил жанда кийиб, қўлига таёқ олиб, ҳеч қандай қуролсиз ҳолда, йўлга чиқди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Гўнг чиқариладиган тешикни кечалари жанда билан ёпиб, кундузлари очиб қўйдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

3 Болалар ўйинида: ўйинни яхши билмайдиган болага икки марта ўйнаш учун берилган ҳуқуқ.

ЖАНДАПЎШ [*ф.* ژنده‌پوش – жулдур, эски кийим кийган] *эск.* **1** Дарвеш, қаландар.

2 Улоқ-қуроқ ёки жулдур кийим кийган (киши). *Шайхларга никоҳ пули, хайр-садақа бўлса бас.. жандапўш шайтонлар бу ерда нималарга қодир эмас.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ЖАНДАРМ (*фр.* gendarme – жандармерия хизматчиси) *қ.* **жандарма**. *Дилшод сиёсий айбдор эмас, уни жандарм турмасига ўтказишибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖАНДАРМА Жандармерия ва унинг хизматчиси, ходими. *Аммо Қудрат яна жандарма қувғунига учради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖАНДАРМЕРИЯ [*фр.* gendarmerie < gens d'armes – куролланган кишилар] Айрим мамлакатларда: сиёсий муҳофаза, тинтув ишлари олиб бориш; давлат тузумига зид иш олиб борувчиларга қарши кураш учун хизмат қиладиган сиёсий полиция. *Жандармерия офицери.*

ЖАНЖАЛ 1 Бир-бири билан айтишиш, сан-манга бориш; можаро, ўзаро уришиш. *Аҳмад ўзини босди. Ўз фаолиятини жанжалдан бошлашни истамасди у.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ёдгор жанжал бўлмаслигини билар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бир-бири билан ҳақ талашиш, даъволашиш; даъво. *Жанжал комиссияси* (*эск.*).

ЖАНЖАЛКАШ Можарони, жанжални яхши кўрадиган, бўлар-бўлмасга низо чиқарадиган. *Жанжалкаш одам.* ▬ *Тўлқин Муҳиддинов яқингача шўх, қўрсроқ, жанжалкаш йигитлардан эди.* Газетадан. *Сиз билан ғалати шароитда танишдик, бир жанжалкаш экан, деб ўйлаган бўлсангиз керак?* А. Мухтор, Туғилиш.

ЖАНЖАЛКАШЛИК Низо, жанжал чиқаришлик; уришқоқлик. -*Одамларнинг сўзга усталиги, жанжалкашлигига қараб эмас, иш билишига, онгига қараб кўтариш керак, – деди яна Пўлатжон Содиқович.* Мирмуҳсин, Умид.

ЖАНЖАЛЛАШМОҚ Жанжал қилмоқ, айтишмоқ, сан-манга бормоқ. *Зайнаб билан жанжаллашишнинг ўзи бир ҳузур ва жанжалдан бўшалгач, қайин отанинг қаршисига ўтириб, насиҳат эшитиш ундан ҳам яхши ҳузур.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шофёр ҳамшира билан анча жиддий ва қизғин жанжаллашиб олди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Арзимаган гапга жанжаллашиб қолган икки ҳамсояни муросага келтириш осон бўлмади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЖАНЖАЛЛИ Жанжаллардан, можаролардан холи бўлмаган. *Жанжалли масала.* ▬ *..бир рутубатли оқшомда Заргаровни жанжалли объектлардан олиб қайтаётган эди, шу ерда тўхташга тўғри келди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Жанжалли уйда барака, қут, файз бўлмайди, деб эскилар тўғри айтишади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЖАНЖАЛСИЗ Можаросиз, низосиз, бежанжал. *Қасам ич! Мен билан кетиб, қочмай, жанжалсиз турасанми, йўқ?* [*деди Мамат*]. Ҳамза, Паранжи сирлари. -*Мана бу ишинг жойида, Бегим, – деди Бозоров кулиб. – Ахир шу ишни жанжалсиз қилсак бўлмасмиди?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЖАНЖАЛ-СУРОН *қ.* **жанжал 1.** *Бола-чақали одам хотин устига хотин олса, уйда*

ҳар куни жанжал-сурон бўлиши шубҳасиз. Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАНЖАЛЧИ *қ.* **жанжалкаш.**

ЖАННАТ [*а.* جنّت – беҳишт; бўстон, сердарахт боғ] **1** *дин.* Бегуноҳ, тақводор кишилар у дунёда яшайдиган роҳат-фароғатли жой, беҳишт. *Қошинг билан кўзинг шўх, илоҳи ўлмагайсан, Жаннатдаги ҳурларнинг бирови бўлмагайсан.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма* Ҳамма нарса муҳайё бўлган, обод, роҳатбахш, хушманзара жой. *Бўлсин деймиз жаҳон бўйлаб Инсонлар ери жаннат.* М. Шайхзода. *Сафо махсумнинг нигоҳи шу жаннат боғлар, далаларда кезса ҳам, ўй-хаёли бошқа ёқда.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Ёз пайтлари уларнинг [Азизанинг] боғи жаннат бўлиб кетади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Жаннат (хотин-қизлар исми).

Жойи жаннатда бўлсин У дунёда қийналмасин. *Чол пулни рад қилар экан, қўлларини фотиҳага ёзди: -Омин, жойи жаннатда бўлсин. Оллоҳу акбар!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЖАННАТИ Жаннатга тушадиган бегуноҳ, фариштадай пок одам. *-Аммо ўзлари ҳам жаннати хотин, – деди Сафарқул.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЖАНОБ [*а.* جناب – томон, тараф; муҳтарам зот] (кўпинча «жаноблари», «жанобингиз» шаклида) **1** Ўтмишда ва ҳозир кишиларни, амалдор ёки давлат арбобларини улуғлаш шакли. *Элчи жаноблари. Бош вазир жаноблари.* ▬ [*Шайхулислом:*] *Демак, жанобларининг ҳукми жиддий?* [*Навоий:*] *Тақсир, салтанат ишларида ҳазил бўлмайди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бу замонда Навоий жанобларидек пок одам ҳаргиз топилмас.* Ойбек, Навоий. *-Қози домла муҳтарам Тешабой жанобларининг илтифотларидан мамнун бўлибдилар, – деди қори.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Киши исмларига қўшиладиган кесатиқ сўз. *Деканатдан чиқсам, Боқизода жаноблари ялпайиб, чой ичиб ўтирибтилар.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЖАННАТМАКОН [жаннат + макон] Обод, гўзал. *Жаннатмакон, оромбахш боғлар Оғушига чорлайди мени.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. *Жаннатмакон, қуёшли юртимнинг фасллари бир-биридан гўзал.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАННАТМОНАНД Жаннатга ўхшаш, жаннатдай. *Йўл азоби орқада қолиб кетди, эмди жаннатмонанд пойтахтимиз Ғазнада роҳат-фароғат билан умргузаронлик қилинглар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЖАННАТСИМОН *айн.* **жаннатмонанд.** *Қаҳрамон белорус халқи жаннатсимон диёр: муҳташам бинолар қад кўтарган гўзал, обод шаҳар ва бадавлат хўжаликлар бунёд этдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАНОЗА [*а.* جنازه – кўмиш, дафн маросими; тобут] Дафн олдидан ўлган киши ҳақига бағишлаб ўқиладиган намоз. *Жанозага Тошкентнинг деярли ҳар бир маҳалласидан кишилар иштирок қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғайбаров жанозага аранг етиб келди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ЖАНР [*фр.* genre – жинс, тур] Санъат асарларининг сюжет ва услуб жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳар бир тури. *Лирика жанри. Ҳажв жанри. Қўшиқ жанри.* ▬ [*Ғиёсов*] *Қобилиятини публицистиканинг барча жанрларида синаб кўрди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Сермаҳсул ижодкор мусиқанинг йирик жанри – операга ҳам қўл урди.* Газетадан. *Пейзаж рассомчиликнинг мураккаб жанрларидан бири бўлиб, у катта вазифаларни ўз зиммасига олади.* «Шарқ юлдузи».

ЖАНУБ [*а.* جنوب – жануб] Дунёнинг тўрт асосий томонларидан бири; *зид.* **шимол.** *Деразалари жанубга қараган уй.* ▬ *-Ана, – деди Матқовул, жанубда кўриниб турган тоғ томонга ишора қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бизни меҳмон қилди деб, Қадримизни билди деб, Сенга раҳмат айтамиз, Сўнг жанубга қайтамиз.* Уйғун.

ЖАНУБИЙ Жанубга оид; жанубга хос бўлган; жануб томондаги. *Мамлакатнинг жанубий чегаралари.* ▬ *Кеча-бугун жуда кўп ярадор келди. Немислар жанубий фронтда яна ҳужумга ўтган эмиш.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Жанубий Африкада Свазиленд деб юритиладиган ўлка бор.* «Фан ва турмуш».

ЖАНУБИ-ШАРҚ Жануб билан шарқ ўртасидаги тараф; жануб билан шарқ ўртасидаги йўналиш. *Ўзбекистоннинг жануби-шарқида. Самолёт жануби-шарққа йўл олди.*

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ Жануби-шарққа оид, жануби-шарққа хос бўлган; жануби-шарқ томондаги.

ЖАНУБИ-ҒАРБ Жануб билан ғарб ўртасидаги тараф; жануб билан ғарб ўртасидаги йўналиш. *Тошкентнинг жануби-ғарбида.*

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ Жануби-ғарбга оид, жануби-ғарбга хос бўлган.

ЖАПС *фольк.* Бир-бири билан зич боғланган; жипс, зич. *Жапс бўлиб.* ▬ *Икковинг ҳам бир-бирингга интизор, Ошиқларнинг сўзи шундай жапс келар.* «Алпомиш».

ЖАПСАК Кесакининг деворга ўрнатилган еридаги тирқишни бекитиш ва ҳусн бериш учун эшик, дераза атрофига қоқиладиган энсиз жимжимадор тахта.

ЖАР I [*ф.* جر – ернинг чуқур, ўйиқ жойи] Четлари ўпирилган чуқур сойлик; чуқурлик. *Чуқур жар. Паст жар.* ▬ *Азизбек сипоҳлари ила жарга тушди ва сув кечиб, ҳалиги тепага юзланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У ўрик шохидан эмас, жар ёқасидан жуда пастга, тагсиз чоҳга қулаб тушаётгандек жуда ёмон қўрқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жар ёқасида Ҳалокат олдида, ҳалокат ёқасида. *Ахир, жар ёқасида турибмиз-ку, Комилжон.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЖАР II [*а.* جهر – баланд овоз билан, очиқ эълон қилиш]: **жар солмоқ** 1) жарчи қўйиб, ҳаммага хабар бермоқ, эълон қилмоқ. *Эрта билан Хўжаориф бозорида бир жарчи юқоридаги мазмунда жар солмоқда эди.* С. Айний, Қуллар. *Тўда пастга силжиди. Баковул жар солди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом; 2) *кўчма* овоза қилмоқ, гап тарқатмоқ, ҳаммага билдирмоқ. *Гузарда гап кутиб ётган Мирвали бангига ўхшаш «достончилар» мулла Обиднинг қўлида кўрилган кетмон ҳақида Тиктепа қишлоғига жар солиб юбордилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЖАРАЁН [*а.* جريان – оқим; бориш, содир бўлиш] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бирин-кетин бориши, ривожи, оқими. *Тарихий тараққиёт жараёни. Суд жараёни.* ▬ *Дарёни янги изга солувчи, шаҳарни тамоман янги бир қиёфага киргизувчи одамлар бу иш жараёнида ўзларини ва ўз турмушларини ҳам ўзгартадилар.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Туғилаётган янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш жараёнида илғор фикр устун чиқмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАРАНГ *тақл. с.* Металл, чинни, шиша буюмларнинг урилишидан чиқадиган товуш ҳақида. *Чирманда бўғиқ гумбурлайди. Қўнғироқларнинг жарангидан ваҳима учади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг [келинчакнинг] кулгиси жонон пиёланинг жарангидай тиниқ эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Одамларнинг қулоғига байту ғазалдан кўра кумуш танганинг жаранги хуш ёқадиган бўлибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЖАРАНГДОР Баланд, йўғон, жарангли. *Жарангдор овоз.* ▬ *Анна Ивановна ўзининг жарангдор товуши билан қаҳ-қаҳ уриб кулди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Сизгадир юракнинг жарангдор куйи, Оқил Шарафиддин, машҳур отамиз.* А. Орипов.

ЖАРАНГ-ЖУРУНГ *айн.* **жангир-жунгур**. *Бостирма устунига осилган рельс парчасининг таниш жаранг-журунги бутун қурилиш майдонини тўлатиб янгради.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Оқтой ҳар бош силкитганда, бўйнидаги қўнғироғи жаранг-журунг қилар, унга сари ҳамма куларди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЖАРАНГЛАМА 1 *айн.* **жарангдор.** *Жаранглама дутор.*

2 *кўчма* Дабдабали, ҳашамдор; қуруқ. *Жаранглама қуруқ сўз эмас, иш керак.*

ЖАРАНГЛАМОҚ 1 Металлдан чиқадиган сингари баланд овоз чиқармоқ. *Токчадаги чиннилар жаранглаб кетди.* ▬ *Лекин зум ўтмай яна рубоб жаранглади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тўхтахоннинг қўнғироқдай жаранглаган овози қизларнинг кулгиси ичида алоҳида эшитилиб турар эди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

2 *кўчма* Янграмоқ, баралла эшитилмоқ. *Менинг она тилим, жон ўзбек тилим, Катта оилада янгра, жарангла.* Газетадан. *Бу қўшиқ гоҳо авж пардаларда, гоҳо пастроқ оҳангларда жаранглаб туради.* Газетадан.

Қулоқлари жаранграмоқ Қулоқларига жаранглаган овоз эшитилаётгандек туюлмоқ (кучли ҳаяжон чоғида). *Йўлчининг юраги қаттиқ уриб, қулоқлари жаранглади, тараддуд ичида тўхтади, лекин орқасига қарамади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАРАНГЛИ 1 *айн.* **жарангдор**. -*Нигоранинг кулиши бундан ҳам жарангли, – деди ўзига-ўзи Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *тлш.* Товуш пайчаларининг иштироки билан ҳосил бўладиган, овозли. *Жарангли ундош.*

ЖАРАНГСИЗ 1 Жарангламайдиган. *Жарангсиз пиёла.*

2 *тлш.* Товуш пайчаларининг иштирокисиз ҳосил бўладиган, шовқинли. *Жарангсиз ундош (товуш).*

ЖАРАҚ-ЖАРАҚ *тасв. с.* Асосан олтин-кумуш пулларнинг ялтираши ва жиринглаши; яхлит-яхлит (пул ҳақида). *Ер сотганларнинг кўпини кўрдик, охири гадой бўлади. Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни жарақ-жарақ санаб оладилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Келиним ўлгурнинг ўзиям текистилда ишлаб, жарақ-жарақ пул олади, — деди кампир.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ЖАРАҚЛАМОҚ Ярақламоқ, ярқирамоқ, ялт-ялт этмоқ (асли олтин-кумуш пуллар ҳақида).

ЖАРАҚЛАТМОҚ Ялтиллатмоқ; жиринглатиб овоз чиқармоқ. *Пулни жарақлатиб санаб олди.* ▬ *Ўтар бобо ясовулбошининг ён бераётганига суяниб, унинг киссасига жарақлатиб яна бир тилло ташлади.* С. Сиёев, Аваз.

ЖАРГОН [*фр.* jargon — маълум бир гуруҳга оид сўз] Бирон ижтимоий ёки профессионал гуруҳга хос, фақат уларнинг ўзи тушунадиган ва адабий тилдан фарқ қиладиган сўз ва иборалар. *Чунки комедиявий фильмда ҳар битта арзимаган гапда ҳам бирон ишора, мажозий маъно, кесатиқ, шартли тил* [*жаргон*]*га хос унсур, пичинг ва шу кабилар бўлиши мумкин.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ЖАР-ЖУЛҒА *шв.* Турган-битгани жар ерлар; жарликлар.

ЖАРИДА [*а.* جريده — газета; рўйхат] *эск.* Тўплам, альманах, журнал. *-Бу, отажон, мажмуа, жарида, — деди Абдишукур, — ойда икки дафъа.. босилиб, аҳли илм орасида тарқалади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўш вақт бермас жарида ҳам, Носирликнинг иши кўп.* Э. Воҳидов.

ЖАРИЛЛАМОҚ *шв.* Шаллақилик қилмоқ. *-Бақираман! — деб жариллади жувон. — Ўзинг шаллақи. Хотининг ҳаёсиз!* Н. Қиличев, Ёронгул.

ЖАРИМА [*а.* جريمه — жиноят, гуноҳ] Қонун-қоидани бузганлик, қонун-қоидага хилоф хатти-ҳаракат ёки етказилган моддий зарар учун ундириладиган, тўланадиган пул. *Жарима олмоқ. Жарима солмоқ.* ▬ *Бефарзандлик аламин фуқародан оларкан, Ким фарзанд кўрса, унга хон жарима соларкан.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Бобоқулни судга чақиришди, жарима тўлаб келди.* Газетадан.

Жарима тўпи Футбол ўйинида: қоида бузган жамоа дарвозаси томон тепиладиган тўп. *Ўйинчилар жарима тўпи олдига йиғилишди.*

ЖАРИМАДОР Жарима солинган, тўлайдиган киши ёки ташкилот.

ЖАРКОП [*р.* жаркое — қовурилган; қайноқ] Гўшт ва картошкадан тайёрланган қовурма овқат; қовурдоқ. *Хотиним жаркоп сузиб келди.* Т. Алимов, Одамсиз уйлар.

ЖАРЛИК 1 *қ.* **жар** I. *Чуқур жарлик. Тубсиз жарлик.* ▬ *Олтинсой жарлиги қанча чуқур бўлмасин, жуда тор ва тўғон қуришга ўнғай.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Боғнинг этак томони чуқур жарлик.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Саёҳатчилар жарликлардан ўтиб, тоғ ёнбағрига етдилар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Хавф-хатар, фалокат. *Шу топда унинг [Муқаддамнинг] кўнглида умид ҳам, қувонч ҳам қолмаган. Алимардон билан ўзининг ўртасида каттакон жарлик ётганини, бу жарлик кун сайин чуқурлашиб бораётганини сезиб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖАРОҲАТ [*а.* جراحت — яра] **1** Шикастланган, синган, чиққан, яраланган жой; яра-чақа. *Оғир жароҳат. Енгил жароҳат.* ▬ *Доктор назоратида, кунлар ўтган сари жароҳатдаги яллиғланиш қайтиб, оёғим ердан енгил кўчадиган бўлиб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ғуломжон сўнгги зарбанинг оғир жароҳатидан узоқ вақтларгача тузала олмай юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бир чол жароҳатимга кигиз куйдириб босди ва болдиримни латта билан боғлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

2 *кўчма* Катта зарар, зиён-заҳмат. *Биз мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида урушнинг оғир жароҳатларини тузатиб олдик.* Газетадан.

3 *кўчма* Алам, изтироб. *Бу воқеа Элмуроднинг дилида оғир жароҳат қолдирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мезбон ўзи билмаган ҳолда ҳазилга йўйиб айтган икки оғиз сўзи билан Йигиталининг юрагидаги жароҳатга тегиб кетганини сезмади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЖАРОҲАТЛАМОҚ 1 Ярадор қилмоқ, шикаст етказмоқ. *А.Ульянов ғирт маст ҳолда безорилик қилиб, Ф.И.Кравчукни жароҳатлаган.* Газетадан.

2 *кўчма* Изтиробга солмоқ; азоб бермоқ. *Ҳамма иш жойида, лекин бир нарсагина*

кўнгилнинг ингичка ерини жароҳатлайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖАРОҲАТЛИ 1 Ярадор, яраланган, шикаст еган. *Ҳозир саройнинг айни дарғазаб чоғи — ҳазрат жароҳатли ётибдилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Алам ўтган, доғланган, озор топган; аламдийда. *Мазкур поэтик образ тарихига назар ташласак, унда даврнинг суронли, жароҳатли, ғам-ғуссали нидоси акс этган.* «ЎТА».

ЖАРРОҲ [*а.* جرّاح – хирург] Касалликни операция йўли билан даволовчи врач. *Госпиталда уруш чоғида, Нажот берди шаҳло кўз жарроҳ.* З. Обидов, Яхши ният. *Ибн Ямин билан Ҳамза жарроҳга керакли нарсалар келтириб бериб туришди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЖАРРОҲЛИК 1 Касалликни операция йўли билан даволаш. *Жарроҳлик бўлими.*

2 Жарроҳликка оид, алоқадор. *Жарроҳлик асбоб-ускуналари.*

ЖАРРОҲХОНА Жарроҳлик хонаси; жарроҳлик шифохонаси. *Носир Хўжаев шифохонанинг жарроҳлик бўлимини жиҳозлаб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаб, 11 йил давомида республикадаги энг яхши жарроҳхоналардан бирига айлантирди.* Газетадан.

ЖАРЧИ 1 *тар.* Одамлар кўп тўпланадиган жойларда баланд овоз билан расмий эълонлар эшиттириб юрувчи киши. *Эртасига жарчилар шаҳар ва қишлоқларда халқни ҳашарга чорлаб, жар чақирдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шу пайт одамларни мажлисга чақираётган жарчининг товуши эшитилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Муҳаммад Раҳими соний Баҳодир ҳазратларининг шаҳристон сайрига отланганини маълум қилиб, икки жарчи икки томонга от солиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Хабар-дарак берувчи. *Қушлар мисоли бир жарчи, ҳамма нарсани олдиндан илғашади. Тўзиса, уйга қайтиб келмаса, демак, қандайдир кор-ҳол албатта бўлади, хонадон ҳам тўзийди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Ташвиқотчи, тарғибот қилувчи. *Ҳамид Олимжон илм-маърифат, янги ҳаёт жарчиси бўлиб, ихлос билан хизмат қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Малай, хизматкор, югурдак. [*Йўлчи*] *Энди барчасидан воз кечди ва ўз ичида шундай ўйлади:* [*Абдишукур*] *Бойларнинг жарчиси экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАРҚАЛДИРҒОЧ Узунқанотлилар туркумига мансуб, ерда юролмайдиган, лекин тез учадиган қуш.

ЖАРҚАНОТ Чумчуқсимонларга мансуб, қояларда, тик жарликларда яшайдиган қуш.

ЖАРҒИ *шв.* Арра.

ЖАСАД [*а.* جسد – бадан; жусса] **1** Ўлик, мурда. *Йигитали етиб келганда, марҳумнинг жасади қабрга туширилаётган эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Умрзоқ отанинг жасадини ҳам ана шу ерга кўмдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Гавда, жусса. [*Ғофир Жамилага*:] *Бу золимлар юрагимни суғуриб олдилар, қуруқ жасадимни Сибир қилдилар, холос.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Холиса Тошхолга ҳурмат билан қизиқиб қаради. Опа деса, ўзидан ёш; сингил деса, жасади ўзига иккита келади.* С. Нуров, Нарвон.

ЖАСОРАТ [*а.* جسارت – мардлик, қўрқмаслик; шижоат] Қаҳрамонлик, мардлик, ботирлик, довюраклик. *Жасорат кўрсатмоқ.* ■ *Ойқизнинг барча ҳаракатларини диққат билан кузатган Лола унинг жасорати ва мардлигига, чидам ва садоқатига қойил бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўктам янги ёш колхозни оёққа қўймоққа азм ва жасорат билан киришди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Жўрахоннинг қаҳрамонлиги, жасорати, ёрқин хотираси, ишлари қалбларда, ҳаётда абадий қолади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЖАСОРАТЛАНМОҚ *айн.* **жасурланмоқ.** *Паҳлавонларча жасоратланиб кетган Омон шартта кўйлак-иштонини ечиб, ўзини ҳовузга ташлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЖАСОРАТЛИ Хавф-хатардан, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, довюрак. *Жасоратли йигит.* ■ *Ҳаммасига бардош берган, ҳатто ўлимга ҳам неча бор мардонавор тик боқа олган жасоратли жангчининг ҳозир ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш келган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ЖАСОРАТСИЗЛИК Хавф-хатардан, қийинчиликлардан қўрқиш; журъатсизлик, қўрқоқлик. *Гулнор гўё ўзини жасоратсизликда айбланган ва ўз аҳволидан умидсизланган, ўксинган каби, кўзлари ёш билан тўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАСУР [*а.* جسور – ғоят мард, қўрқмас] *қ.* **жасоратли**. *Жасур жангдан қўрқмайди, ёвдан сира ҳуркмайди.* Мақол. ■ *Мардлик майдонида бел синаш учун Жасур ўзбек халқин*

ўғли отланди. Ғ. Ғулом, Халқ дадил боради. *Айниқса, хотинлар — оналар жасур. Улар Николайдан тортиб элликбошиларга қадар ҳаммани қарғашади.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Унсин*] *Қаддини кўтариб, жасур боқди Шарофатхонга.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАСУРЛАНМОҚ *кам қўлл.* Жасорат қилмоқ; журъат қилмоқ, ботинмоқ, дадилланмоқ. [*Бектемир*] *Кейин бир қадар жасурланиб.. бошини бир-икки марта кўтариб қўйган эди, каскасининг ёнидан визиллаб ўқ учди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЖАСУРЛИК *қ.* **жасорат.** *Тепалик учун бўлган жангда жасурлик кўрсатиб, душманнинг жонли кучларига, техникасига талафот етказгани учун қўмондонлик.. Бегижон Қурбоновни.. медаль билан мукофотлади.* Н. Сафаров, Севги. *Ўғлим, бугун жасурлик Кўрсатишнинг вақтидир.* З. Диёр.

ЖАСУРОНА *рвш.* Жасурлик билан, қўрқмасдан; мардона. *Жасурона курашмоқ. Жасурона кураш.* ▬ *Чиндан ҳам бу жасурона исён хотин-қизлар томонидан Худоёрнинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилиш эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖАТ: **жатига қолди** Бошқаларнинг қилмиши учун жавобгар бўлиб қолди, касрига, балосига қолди. *Қилғиликни у қилди-ю, жатига мен қолдим.* ▬ *Унинг* [*Полвоннинг*] *жатига колхоз катта-кичиклари олдида Холмирзанинг юзи шамгин бўлиб қолди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. -*Сенинг жатингга қовун билан тарвуз паттачининг қўлида қолиб кетди, — деди Шум бола Омонга.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бул хабарни падар эшитканлари ҳамон хитоб қилдиларки, «Сан ҳаромзода фарзанди ноқобилнинг жатингга қоладирғанға ўхшайман..».* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЖАФО [*а.* جفاء — қўполлик; зулм] Маънавий, руҳий ва жисмоний эзилиш, азоб-уқубат, кулфат. *Айрилиқ жафоси.* ▬ [*Ғофир:*] *Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар кимга дод деймиз? Кимга?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Тўрт йил жафо чеккан ватандош, ўртоқ, Бу йилги байраминг муборак энди.* Ғ. Ғулом.

ЖАФОДИЙДА [*а. + ф.* جفادیده — жафо кўрган] *қ.* **жафокаш**. *Мен ҳам жафодийда, чайир, тоғбардош, Менинг ҳам еганим ўша ҳалол нон.* Миртемир. *Жафодийда дўст экан-ку ул, Дўст нимадир, ўз экан-ку ул.* М. Али, Боқий дунё.

ЖАФОКАШ [*а.+ ф.* جفاکش — жафо тортувчи] **1** Азоб-уқубатлар тортган, бошидан кулфатлар, оғирчиликлар кечирган, эзилган. *Истар эди жафокаш инсон: Баҳор каби гулласа олам, Баҳор каби кулса озодлик, Барҳам топса қуллик, кишан, ғам.* Уйғун.

2 *кўчма* Меҳнаткаш, меҳнатсевар. *Ўлма, эй қўли қанд, жафокаш боғбон, Яшай бер, боғларга чулғанган Ватан.* Ғ. Ғулом. *Орамизда шундай беминнат, жафокаш кишилар борки, улар катта-катта юмушларни бажариб қўйишади-ю, бу ҳақда мақтанишни ёмон кўришади.* Газетадан.

ЖАФОКАШЛИК 1 Азоб-уқубат кўриш, кулфат, оғирчиликларни бошдан кечириш. *Унинг* [*Саодатнинг*] *кичик, кўкишроқ кўзлари оғир меҳнат, жафокашлик.. қийинчиликларга қарамай, ўз ғурурини йўқотмаган узун умрнинг тарихини жонли ифода қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик. *Унинг* [*Толибжон аканинг*] *сиймосида мушфиқ онадаги болажонликни, жафокашликни, олижанобликни кўрасиз.* Газетадан.

ЖАФОКОР [*а.+ ф.* جفاکار — жафо қилувчи] Жафо қилувчи, эзувчи. *Қолаверса, ўзимизнинг шоир бобомиз Бобораҳим Машрабнинг ҳақ, ҳақиқат, адолат, муҳаббат ҳақидаги, инсофсиз ҳукмдорлар, золимлар, риёкор шайх, зоҳидлар, жафокор ҳокимлар сирру асрорини элга фош қилувчи оташин ғазалларини.. ким билмайди?!* К. Яшин, Ҳамза.

ЖАФОКОРЛИК 1 Азоб беришлик, қийнашлик. *Сен шаҳаншоҳликни олгин, Менга қуллик бўлса бас, Бор жафокорлик сенга-ю, Бор вафодорлик менга.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Қийинчилик, қийинлик, машаққат. *Болаларининг бахти учун ҳар қандай жафокорликка ўзини отган меҳрибон, шафқатли она!* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАФОЛАНМОҚ Жафо тортмоқ, азоб-уқубатлар чекмоқ, бошдан кулфат, оғирчиликлар кечирмоқ.

ЖАФОЛИ Жафо, азоб-уқубат, кулфат ва оғирчиликлар билан тўлиб тошган, машаққатли. *Ўқиш — жафоли, кети — вафоли.* Мақол. ▬ *Шоир ўзбек халқининг тарихий кишилари образини, бой ва гўзал табиатини, жафоли ўтмишини, бугунги фаровон турму-*

шини тасвирлайди. Газетадан. *Бу асарлар бўлғуси ёзувчини мафтун этади, унга ўтмишнинг оғир машаққатини тортган ўзбек халқининг жафоли ҳаётидан кўп нарсалар ўргатади.* «ЎТА».

ЖАҒ 1 Одам ва ҳайвонларда калланинг тишлар ўрнашган суяги. *Устки (тепа) жағ. Пастки жағ.* ▬ *Отақўзининг кўзлари қисилиб, жағ пайлари туртиб чиқди.* О. Ёқубов, Диёнат. У [*Қаландар ака*], *кўзлари бир нуқтага қадалиб қотиб қолгандай, қимир этмай турар, фақат жағи титрар эди.* С. Кароматов, Эътиқод. *Вакил қулочкашлаб жағимга урди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Оёқ кийимининг юзи билан тагчарми бирлашган ери, олд ёнлари. *Аксарининг устбоши юпун, маҳсиларининг йиртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради, кимларда похол тиқилган эски калиш, кимларда жағи йиртиқ кавуш, лекин улар шод.* Ойбек, Танланган асарлар. *У ўзининг пахтаси оқиб ётган қизил чит тўни, жағи ажралган кавуши, пилталари чиқиб кетган дўпписи билан бошқа болалардан ажралиб турарди.* Ойдин, Ҳикоялар.

3 *махс.* Баъзи асбобларнинг қисадиган, кесадиган қисми. *Омбир жағи. Қайчи жағи.*

4 Киши, одам; нонхўр. *Бир ишловчига уч жағ эдик, бойга ортиқчалик қилиб қолдик.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Лекин оилада жағ кўпайгач, шундоқ ҳам қўл учида, табибчилик билан тирикчилик қилиб келаётган Ибн Ямин қийналиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

Жағи очилмоқ 1) жаҳлланиб гапира бошламоқ. *Шу важдан кампирнинг жағи яна очилди, Сидиқжоннинг ўтмишини, қизининг қилмишини яна таъна қила бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) ҳаракати бошланмоқ; овози эшитилмоқ. *Яна душман пулемётларининг жағи очилди, бир неча жангчи йиқилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Жағи очиқ** 1) кўп гапирадиган, вайсайверадиган; вайсақи; 2) кўп йиғлайдиган, йиғлоқи. *Жағи очиқ бола.* **Жағи тинмайдиган** 1) *айн.* **жағи очиқ;** 2) доим овқат чайнайдиган, овқатдан оғзи бўшамайдиган. **Жағ тиш** *айн.* **озиқ тиш** *қ.* **озиқ. Жағ урмоқ** Ҳадеб гапиравермоқ.

ЖАҒДАЙ *шв.* Мазмун, моҳият; йўналиш, ҳолат. *Абдулазиз баққол ҳар бир гапида «бари бир ўладиган дунё», деб ҳасратга тушиб кетган, бу ширакайф қиморбозлар гапининг жағдайига қараб туриб, шаҳар у ёқда турсин, Оқсойни олишларига ҳам кўзи етмай қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЖАҒЖАҒ Крестгуллиларга мансуб, майда оқ гулли ва халтача шаклида қўзоқли бир хил ўт. *Жағжағни тоғлик аҳоли кўпинча очамбити деб ҳам аташади.* Газетадан. *Ариқлар бўйида ўтлар кўкариб, чучмомалар гуллабди, қизчалар, укам тенги болалар тўп-тўп бўлиб жағжағ, отқулоқ узишяпти, кўк беда теришяпти.* Х. Тўхтабоев, Беш болали йигитча.

ЖАҒИЛЛАМОҚ «Жа-а-ағ» деган чўзиқ товуш чиқармоқ. [*Алижон*] *Супада жағиллаб қайнаб турган самовар ёнига борди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Салмон ака самовари Қайнаб ётар жағиллаб.* Т. Тўла.

ЖАҲАЛДИРИК *фольк. айн.* **жазлиқ.** *Чиргининг устидан қўйди белликни, Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни.* «Алпомиш».

ЖАҲАННАМ [*а.* جهنّم – дўзах] **1** *дин.* Гуноҳкорларнинг руҳи нариги дунёда доимий азобда яшайдиган жой; дўзах. -*Жаҳаннам қаърига кетибди золим! – деб гап отди Содиқ темирчи.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Чидаб бўлмайдиган шароит, азоб, оғир муҳит. *Октябрнинг охири эди. Кун иссиқ бўлса ҳам, лекин ёз ойларининг жаҳаннамига нисбатан бу фаслнинг ҳавоси покистонликлар учун жуда мулойим, ҳатто салқиндек сезилар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Нега она тўнғич қизини жаҳаннамга ташламоқчи? Остин-устин бўлиб кетдими бу дунё?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Гулнор уч кунни жаҳаннам азобида ўтказди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кам қўлл.* Жарлик, жар; тубсиз ер. *Нима қиларди дейсиз, ҳамма гап сувда-да. Мана шу жаҳаннамда оқаётган сувни баланд кўтариб, чўлларни обод қилмоқчи бўлган, дейдилар.* Ойдин, Ширин келди.

Жаҳаннамга юбормоқ Ўлимга юбормоқ, ўлдирмоқ. *Бола учинчи дев билан ҳам олишиб, етти кундан кейин, охири жонини жаҳаннамга юборибди.* «Олтин бешик». -*Пошша талаяптими, ҳозир ҳаммасини жаҳаннамга юборамиз, қорачам! – пашшаларни эзиб давом этди Жўра.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАҲД [*а.* جهد – ҳаракат; меҳнат; интилиш] Зўр бериш, ғайрат. *Жаҳд билан ишламоқ. Жаҳд қилмоқ.*

ЖАҲД-ЖАДАЛ, **жаҳду жадал** Зўр ғайрат, ғайрат-шижоат. *У* [*Мирзо*] *жаҳду жадал билан бу сафарининг поёнига етмаги, мақ-*

садига эришмоғи лозим. А. Ҳакимов, Илон изидан. *Зафарингиз учун камина қўлдан келган қадар жаҳду жадал кўрсатгусидир.* Ойбек, Навоий.

ЖАҲЛ [*а.* جهل – нодонлик; ақлсизлик; жаҳолат] **1** Ножўя хатти-ҳаракатдан, гапдан ёки воқеа-ҳодисадан ранжиш, аччиқланиш, ғазабланиш туйғуси; ғазаб. *Жаҳл – душман, ақл – дўст.* Мақол. ▬ *Муҳаррир жаҳл билан календарини шарт-шарт варақлади-да, битта бетини юлиб олди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Аҳмаднинг жаҳли тез, сал нарсага тутақиб кетади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *айн* **жаҳолат 1**. *Мактаб анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи, Илму фан тиғи билан жаҳл бағрини қон қил.* Ҳамза.

Жаҳл устида Аччиғи, ғазаби келиб турган пайтда. *Жаҳл устида оғзимдан бирор ёмон сўз чиқиб кетади. У вақтда кўнглингиз оғрийди, қўйинг, эрталарга сўзлашармиз.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *У [Ёдгор] Чароснинг онаси жаҳл устида шу ишни қилган бўлса керак, деб ўйлаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Жаҳли бурни учида** Жаҳли тез, аччиғи тез. *Баъзи актив акамлар Жаҳли бурун учида.* «Қўшиқлар». *Жаҳли бурнининг учига келиб, бош агроном М.М.Христенкони чақиртирди.* «Муштум». **Жаҳли чиқмоқ** Ғазабланмоқ, аччиқланмоқ. *Ҳозир жаҳли чиқиб ўтирган бу аёл кўзига жуда қадрдон кўриниб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мингбошининг жаҳли чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Адолат неча кунгача бу хил ҳазилларга кўниколмади, ғаши келди ва ҳатто жаҳли чиқиб, баъзи солдатларга ўшқириб берди ҳам.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Жаҳлидан тушмоқ** Ғазаби пасаймоқ, аччиғи юмшамоқ. *Жувон унинг* [*Сидиқжоннинг*] *ўтиришини кўриб, бир оз жаҳлидан тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖАҲЛДОР Салга жаҳли чиқаверадиган, ҳадеб жаҳл қилаверадиган; сержаҳл, аччиғи тез. *Жаҳлдор одам.*

ЖАҲЛЛАНМОҚ Аччиғи келмоқ, ғазабланмоқ. *Қози жаҳлланиб, афандини чақиртирди.* «Латифалар». *Истат жаҳлланиб, турмуш ўртоғини жеркиб ташлади.* Газетадан.

ЖАҲЛЛИ 1 *айн.* **жаҳлдор.** *Жаҳлли киши.*

2 Ғазабли, ғазаб билан тўла, ғазабнок. *Жаҳлли одам.* ▬ *-Ҳа, бу ёққа қаранг! – чақирди Мастура жаҳлли овоз билан.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЖАҲОЛАТ [*а.* جهالت – нодонлик, ақлсизлик; илмсизлик] **1** Илмсизлик, қолоқлик, маданиятсизлик, нодонлик. *Аёллар ўтмишда ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жаҳолатда қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **жаҳл 1**. *Қутидор уялиш ва ўкиниш орасида: -Жаҳолат келса, ақл қочадир, қизим! – деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Содиқжон бойваччанинг жаҳолати қанақалигини у* [*Юсуф қизиқ*] *яхши биларди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЖАҲОЛАТПАРАСТ [*а.+ ф.* جهالتپرست – жаҳолат тарафдори] Эскиликка ёпишиб олган, эскилик, қолоқлик тарафдори, илм-маърифат, маданият душмани. *Зайниддин дарчадан кўчага мўралаган эди, ҳар томондан муллалар бошчилигидаги бир тўда жаҳолатпарастларнинг «Во шариато!» деган ҳайқириқларини эшитди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Жаҳолатпарастлар XVIII асрда Париж атрофида қурилган биринчи ҳаво шарини мажақлаб ташлаганлар.* Газетадан.

ЖАҲОН [*ф.* جهان – дунё, олам] **1** Ер юзи ва ундаги бутун борлиқ; дунё, олам. *Бутун жаҳон.* ▬ *Канал, қирқ йилдирки, жаҳонни ҳайратга солиб келади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Одам одамга дўст-ўртоқ бўлиб қолди. Жаҳон тарихида янги давр бошланди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу жаҳонда бундай дилбар бўларми, Жамолини кўрган омон қоларми?* «Муродхон».

2 *поэт.* Дунёдаги ҳамма халқлар, бутун инсоният. *Сен ҳайқирдинг, жаҳон ҳайқирди: Йигит-қизлар интиқом учун. Оталар ва оналар ўзни Чоғладилар шараф, шон учун.* Ғайратий.

3 Жаҳон (хотин-қизлар исми).

Бир жаҳон 1) жуда кўп, сон-саноқсиз, беҳисоб. *Унинг жаҳли чиққан, бир зумда бир жаҳон гапни гапириб ташлади.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради; 2) жаҳонга арзирли, жаҳонда ягона гўзал, чиройли. *Хуш келибсиз, ажаб меҳмон экансиз, Хушруйликда сиз бир жаҳон экансиз.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *-Йигит бўлганда ҳам, бир жаҳон эди, – деди Қамчи.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Жаҳон чемпионати** Жаҳон бўйича ўтказиладиган мусобақа. *Чарм тўп усталари жаҳон чемпионатининг тантанали очилишига бағишланган маросим ўзига хос байрамга айланди.* Газетадан. **Жаҳонга донғи кетган** Дунёга машҳур, танилган. [*Темур*] *Самарқанд обидала-*

ридек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган, жаҳонга донғи кетган олимларни тўплаб, уларга шароит яратиб берган. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Икки жаҳон овораси** *қ.* **овора 1**. **Ойнаи жаҳон** *қ.* **ойна**.

ЖАҲОНБАХШ [*ф.* جهان‌بخش – жаҳонни ҳадя қилувчи] *поэт.* Сахий, қўли очиқ.

ЖАҲОНГАШТА [*ф.* جهان‌گشته – кўп саёҳат қилган, жаҳон кўрган] Дунёни кезган, кўп ерларни кўрган, кўп саёҳат қилган. *Жаҳонгашта сайёҳ.* ▬ *Авазбой жаҳонгашта одам бўлиб, Россияда бўлиб турадиган ярмаркаларга ҳам қатнашиб турар экан.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Узоқ ўлкаларда жаҳонгашта бўлиб, она дийдорига муштоқ бўлиб юрган фарзанд учун онанинг саломатлигидан аълороқ нарса борми дунёда*?! Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЖАҲОНГАШТАЛИК Дунёни кезишлик, кўп саёҳат қилишлик. *Туғонбекнинг хаёли эса ҳар вақт жаҳонгашталик оламида парвоз этади.* Ойбек, Навоий. *Жаҳонгашталик, сафарнинг хосиятлари ҳақида гаплашиб, тоғ оралиқлари, ҳатто довондан ошганимизни ҳам билмай қолибмиз.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи *Шу билан Викторнинг жаҳонгашталиги бошланган. Олдин Москвада яшаган, сўнг ўзи Тошкентга келган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЖАҲОНГИР [*ф.* جهانگیر – жаҳонни олувчи, эгалловчи] **1** Дунёни забт этган; жаҳонни забт этган ҳукмдор. *Тўғри, ҳозирги портрет жаҳонгирнинг бош суягига қараб чизилган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўзлари киртайиб, ранги кетиб қолган Инолчиқ кенг кўкрагини кериб, жаҳонгирга тикилганича қотиб қолди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё, Ҳаммасига гувоҳ – ер ости.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 *эск.* Империалист.

3 Жаҳонгир (эркаклар исми).

ЖАҲОНГИРЛИК *эск.* Империализм; империалистик. *Жаҳонгирлик уруши айни авжига чиққан чоқ.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Жаҳонгирлик уруши мамлакатдаги барча зиддиятларни кучайтириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖАҲОНДИЙДА [*ф.* جهاندیده – жаҳон кўрган] Кўпни кўрган, катта турмуш тажрибасига эга бўлган. -*Уруш – оғир имтиҳон, ҳар бир жанг – сабоқ, – деган экан жаҳондийда саркардалардан бири.* Газетадан. *Қиш қуруқ келди. Жаҳондийда деҳқонлар, сув бу йил ҳам камчилроқ бўлади, дейишяпти.* Газетадан.

ЖАҲОНДОР [*ф.* جهاندار – кучли подшоҳ] Жаҳон ҳокими, бутун дунёга ҳукмронлик қилувчи.

ЖАҲОН-ЖАҲОН Жуда кўп, сон-саноқсиз, беҳисоб. *Парталарда ўтирар ўғил-қизлар ёнма-ён, Кичкина юракларда орзулар жаҳон-жаҳон.* Ю. Ҳамдам.

ЖАҲОНИЙ *қ.* **оламшумул**. *Бу кучли иродани, бу жаҳоний қудратни Ҳар кимки менсимаса, ўзи-ўзига золим.* Ғ. Ғулом. *Она-Ватанимизнинг куч-қудрати ва жаҳоний обрўэътибори тинмай ортаверсин.* Газетадан.

ЖАҲОННАМО [жаҳон + *ф.* نما – кўрсатувчи] *фольк.* Жаҳоннинг истаган ерини кўрсатувчи кўзгу; ойнаи жаҳон. *Телевизор деган жаҳоннамо чиқибди, маза қилиб кўриб турибмиз [деди Йўлдош бобо].* Ё. Шукуров, Дўстлар.

ЖАҲОНШУМУЛ [жаҳон + *а.* شمول – қамраб олиш, умумийлик] *қ.* **оламшумул.** *Колхоздаги беш юз ўттиз хўжалик, беш минг жон жаҳоншумул ишларни қилиб қўйганлар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАҲР [*а.* جهر – баланд овоз чиқариш] **1** *дин.* Овоз чиқариб қилинадиган зикр. *Ярим кечагача сайил қилиб, жаҳр, зикр-самони кўриб томоша қилмоқ баҳонаси билан.. масжидга кирдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *қ.* **жар** II.

ЖАҲРИЯ 1 Ошкор, овоз чиқариб зикр қилувчилар. *Занги бобо мозори ёнидаги масжидда шайхлардан чиққан жаҳрия эшонлар ўз муридлари билан зикр тушишмоқда эди – буни ҳам кўрайлик, деб кирдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Тариқат йўналишларидан бири. *Бу унинг жаҳрия тариқатига мансуб эканлигига ишора эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЖГУТ [*укр.* жгут – эшилган пилик] Қон тўхтатувчи эластик резина найча ёки бинт. *Қон тўхтатиш учун ишлатиладиган жгут резина найдан иборат бўлиб, бир томонда илмоғи, иккинчи томонда занжири бордир.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЖЕВА *фольк.* Қурол-аслаҳа.

ЖЕВАК 1 *этн.* Хотин-қизларнинг бўйнига тақадиган зийнат буюми. *Келиннинг олтин-кумуш, мис жевакלари қозиқларга илиб*

қўйилган. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Дераза, эшик ва мебелларга зийнат бериш учун ишлатилган металл қубба. *Деразалари ҳовлига қараган бинонинг ялтироқ мис жеваклар қоқилган қалин дарвозаси олдида усти жилд билан ёпилган бир неча тўп турарди.* М. Жўрабоев, М. Б.мартабаси.

ЖЕВАХОНА *фольк.* **1** Қурол-аслаҳахона. *Аскар жевахонадан бирқиллатиб тўпни ота-ётибди.* «Ҳасанхон».

2 Сайисхона; эгар-жабдуқлар турадиган уй; отхона.

ЖЕВАЧИ *фольк.* Қурол-аслаҳахона бошлиғи. *Бўйлари муносиб қадду бўйингга, Қоровул жевачиларинг билмасин.* «Гулихиромон».

ЖЕЗ Мис, рух ва қалай қотишмаси. *Тахталанган жез. Жез тўқа.* ▬ *Ҳожимат пичоғини жез пойнакли қинига сола туриб жавоб берди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Унинг [Раҳим Саидовнинг] эсига эрталаб хотини улоқтирган жез узук тушди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЖЕЗЛ [*р.* жезл – куч-қудрат, ҳокимият рамзи сифатидаги таёқча] **1** *т.й.* Поездлар ҳаракатини тартибга солиш учун қўлланадиган металл таёқча (бу таёқча машинист қўлига берилгач, кейинги станциягача йўл очилади).

2 Кўча ҳаракатини тартибга солувчи милиционернинг ола-була таёқчаси.

ЖЕЗНА *шв.* Почча.

ЖЕК: **жек кўрмоқ** Ёмон кўрмоқ. *Ўзингиз жек кўрганингиз учун, мени ҳам ўзингиздек фаҳмлаб, кирмайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖЕКИРМОҚ Дўқ уриб гапирмоқ, ўдағайламоқ, дўқ қилмоқ, ўшқирмоқ. *Менга жекираверма!* ▬ *Коля гангиб қолди. Укаларига нима деб жавоб қилишини билмасди. Эшикни қаттиқ тортувди, навбатчи жекириб берди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. [*Ҳазрат*] *Қўлларини пахса қилиб жекирди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЖЕЛ Эски вақтларда: маҳбусларнинг бўйнига ва оёқ-қўлларига солинган кишанларга боғлаб қўйиладиган занжир. *Аммо бу миршабхонанинг тор қамоқхонасини тўлдириб оёқларига кунда, қўлларига қўлкунда, бўйинларига жел урилган бир неча банди ётмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

ЖЕЛА *шв.* Тузоқ.

ЖЕЛАК *шв.* **1** Нимча, енгсиз юпқа кийим. *Максим полвон енгсиз, ёқасиз желак кийиб чиқди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

2 Хотин қизлар бошга ташлаб юрадиган рўмол. *Ҳурихон ишга желак ёпиниб келган.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Бошида желаги бор, қўлида малаги бор, ошна сойнинг таниш тўлқинларига кўп қарамайди.* Миртемир, Тингла, ҳаёт.

ЖЕЛАТИН [*фр.* gelatine – дирилдоқ, елимшак < *лот.* gelatus – музлаган] Ёш мол суяги ва терисидан тайёрланадиган бир нав елимшак модда. *Аччиқ ва ҳидли дорилар алоҳида желатин ғилофида ичилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЖЕЛАТКА *с.т.* Жилетка.

ЖЕМ [*ингл.* jam – мураббо] Қуюқ шинни; мева қиёми. *Олма жем.*

ЖЕМПЕР [*ингл.* jumper – ёқасиз кофта] Жун, ип ёки ипакдан тўқилган, тугмасиз ва ёқасиз кофта. *Дераза олдида мовий жемпер устидан елкасига оқ халат илиб олган аёл турарди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Хотинимга, етти йил бўлди, битта жемпер олиб беролмайман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ЖЕНЬШЕНЬ [< *хит.* «одам-илдиз»] Узоқ Шарқ ва Хитойда ўсадиган доривор ўсимлик. *Бундай вақтларда атторлар дорига ишлатиладиган женьшень ва ёш кийикнинг ичида қони қотмаган мугузини харид қилар эдила*р. М. Осим, Карвон йўлларида. *Женьшень дарахт илдизига ўхшаган ўсимлик бўлиб, Узоқ Шарқнинг ўрмонзор зоналарида ёввойи ҳолда ўсади.* Газетадан.

ЖЕРКМОҚ *қ.* **жекирмоқ**. *Аёл бизга нозланиб суйкалса, уни жеркиб ташласак, қандай малол келади?* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Олим полвоннинг гапига Қудратнинг энсаси қотди шекилли, уни жеркиб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЖЕТОН [*фр.* jeton – металл, пластик нишон < jetere – ташламоқ, ирғитмоқ] Пул ўрнига ишлатиладиган ёки бирор нарса олиш учун ҳуқуқ берадиган тўгарак металл ёки пластмасса. *Метро жетони.*

ЖИБЛАЖИБОН **1** Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, узун думли кичкина қуш. [*Баззоз йигит:*] *Ўзим бор эдим, тақсир, осмондан лаганга лоп этиб тушди, ўша он тепамиздаги дарахт шохидан жиблажибон пир этиб учди-кетди.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 *кўчма* Серҳаракат (одам ҳақида). *Баъзан Умрзоқ ота: -Ўзинг қилтиллаб турсанг ҳам, тиним билмас жиблажибонга ўхшайсан, кампир, — дерди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЖИВИЛЛАМОҚ *қ.* **живирламоқ**.

ЖИВИР-ЖИВИР *тақл. с.* Кўзни қамаштирадиган даражада товланувчи, жуда майда ва кўп нарсаларни билдиради. *Саратон живир-живиридан кўз толиқади. Лекин ғўзалар тиззага уриб, қийғос кўсаклаб ётибди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Қамчи янги қизил тўн кийган. Ҳошиясига аллақандай живир-живир гул нақшланган.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Денгиз сатҳи живир-живир олтин юлдузлар билан тўлиб кетди, улар ҳам булар орқасидан чопишади.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

Живир-живир товланмоқ Ранг-баранг тусда кўринмоқ, жилва қилмоқ. *Унинг [бойнинг].. шоҳи яктаги қуёшда живир-живир товланиб, учқунланиб ялтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Булоқ суви айниқса ойдинда шиша каби ялтирар, живир-живир товланарди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. **Живир-живир қилмоқ** *айн.* **живир-живир товланмоқ** *ва* **живирламоқ.**

ЖИВИРЛАМОҚ 1 Ранг-баранг тусда товланмоқ, жилва қилмоқ. *Қия очиқ дарчадан тушган ойдин.. гиламларнинг гуллари устида живирлаб, хаёлий, майин манзаралар, ўйинлар ясар.* Ойбек, Навоий.

2 Чаплашиб кўринмоқ, бир-бирига чаплашиб, кўзни толиқтирмоқ (жуда майда, нозик хат, нақш, гул ва ш.к. ҳақида).

ЖИГАР [*ф.* جگر — ички аъзолардан бири; бағир] **1** *анат.* Одам ва ҳайвонларнинг ўт (сафро) ишлаб чиқарадиган, организмда моддалар алмашинувини таъминлайдиган ички аъзоси. *Жигарим оғрияпти. Жигар касалликлари.* ▬ *Шу қишда унинг* [онанинг] *жигари хасталаниб, оёқлари шишиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Алкоголь нафақат жигарга, балки ошқозон-ичак йўлларига, юрак томирларига, бош мияга, умуман, бутун ички аъзоларга ҳалокатли таъсир кўрсатади.* Газетадан.

2 Ҳайвонларнинг овқат сифатида ишлатиладиган шу аъзоси. *Қовурма жигар. Жигар кабоб.*

3 *кўчма* Энг яқин киши, туғишгандай яқин биродар; фарзанд. *Сен етим эмассан, Тинчлан, жигарим.* Ғ. Ғулом. *Мадамин буни кутмаган бўлса керак, шовқин солди: -Хизматкорим эмас! Худойқул менинг ўз жигарим, аммамдан қолган сағир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Авазнинг бир дардига юз дард қўшилди. У жигарларини хаёлчан мунғайиб кузатиб қўйди.* С. Сиёев, Аваз.

Жигари сув бўлмоқ Қийналмоқ, азоб чекмоқ. *Пахта деб жигарим сув бўлди-ю, маккажўхорига нима бор.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Жигаридан урмоқ** Мафтун қилмоқ, юрагидан урмоқ. *Инобатхон институтнинг биринчи курсидаёқ менинг жигаримдан уриб қолган эди.* Ғайратий, Довдираш. **Жигари хун бўлди** *қ.* **хун 1.**

ЖИГАРБАНД [*ф.* جگربند — фарзанд; яқин киши] Энг яқин, бир туғишган қариндош (фарзанд, ака-ука, опа-сингил). *Жигарбандлари йўлида кўзлари нигорон бўлган оналар, отасиз ўксиб ўсган ўғил-қизлар, фарзанд доғида юрак-бағри қон оталар ҳозир ҳам озми?* Н. Сафаров, Оловли излар. *Эҳтимол, Қурбон онаизорини, жигарбандларини, севгилисини соғиниб, ҳижрон ўтида юраги ёнаётгандир.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Элгелди, ўлимнинг совуқ нафасини сезгандай, ёлғиз жигарбанди олдида ўзини оқлашга тиришар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ЖИГАР-БАҒИР: жигар-бағридан урди Мафтун қилди, шайдо қилди. **Жигар-бағри эзилди** *қ.* **юрак-бағри эзилди** *қ.* **эзилмоқ 2.** *..Бувиниса энди фарзандининг жасади устида жигар-бағри эзилиб, кўзларидан сел-сел ёш тўкди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИГАРГЎША [*ф.* جگرگوشه — фарзанд] *қ.* **жигар 3.** [*Ҳусайн:*] *Мўмин, жигаргўшам, саломат келдингми?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Жигаргўшалар овқатлангани ўтирдилар.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ЖИГАРПОРА [*ф.* جگرپاره — жигари пора бўлган, жигарининг бир парчаси эзилган] *айн.* **жигарбанд.** *Одилбика уни бағрига босиб: -Укажоним, жигарпорам, меҳрибоним, сени кўрар кун ҳам бор экан-а, — деб йиғларди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Нақадар бахтлидир она бечора: Наҳотки, шу ўғил, шу жигарпора.* Ҳ. Олимжон. *Ширмонхоннинг юраги алланечук бўлиб кетди. Назарида Маҳмуд унинг ўғлидек, жигарпорасидек бўлиб туюлди.* С. Зуннунова, Олов.

ЖИГАРРАНГ Қизғиш, қизил; жигар рангига ўхшаш. *Санобархон оёғига пайтава ўраб, маҳсисини кийди. Жигарранг шол рўмо-*

ли устидан телпагини бостириб, тайёрман, деган маънода Адолатга қаради. С. Зуннунова, Гулхан.

ЖИГАРСЎХТА [*ф.* جگرسوخته – жигари куйган, ёнган] **1** Оғир мусибат чекиб эзилган, кўнгли ярим бўлиб қолган; хастадил.

2 *кўчма* Мафтун бўлган, юрак-бағридан урган, ошиқи беқарор.

ЖИГАРХУН [*ф.* جگرخون – жигари қон] Эзилган, қийналган, хуноб бўлган. *Фарзандин қабрида она жигархун, Унинг фарёдидан дунё ғамхона.* А. Орипов, Ҳайрат.

Жигархун бўлмоқ *айн.* **жигари сув бўлмоқ.** *қ.* **жигар.** [*Исомиддинов*] *Энг сўнг шундай деди: -Ота, ахир биз ери кўп муштумзўрларнинг оёғи остида эзилдик, жигархун бўлдик, энди орқамизга офтоб тегсинми, йўқми?* Ҳ. Шамс, Душман. *Одамда виждон ҳам бўлмасми ҳатто, Сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз.* Р. Парфи, Кўзлар.

ЖИГАРЧИЛИК Яқин қариндошлик, яқин қариндошлик муносабатлари. *Оломоннинг ичида ўша одамнинг укаси ҳам бор экан. Ука – жигар, тош отай деса, жигарчилик. Отмай деса, хон турибди; ниҳоят, тўнидан увада юлиб отибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ғанишер акасига жигарчилик ёрдамини қилибди, анчагина пул ҳам берибди.* Ш. Ғуломов,Чўл шери наъра тортганда.

ЖИГИ-ЖИГИ 1 *с.т.* Жикжик.

2 *унд. с.* Эчкиларни чақиришда қўлланади.

ЖИГИЛДАК *шв.* Ёввойи жийда.

ЖИГИЛЛАМОҚ *айн.* **жикилламоқ.**

ЖИДД [*а.* جدّ – ҳаракат; меҳнат]: **жидду жаҳд қилмоқ** Зўр ғайрат қилмоқ, жон-жаҳд билан ишламоқ.

ЖИДДИЙ [*а.* جدّى – муҳим, аҳамиятли; асосли] **1** Пухта ўйлаб, чуқур мулоҳазаларга суяниб иш кўрадиган; мулоҳазали. *Жиддий йигит. Жиддий олим.* ■ *Анвар ёш бўлса ҳам, жиддий, кичкина мияси муҳокамага қобил.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Муҳим аҳамиятга эга бўлган, муҳим. *Оқсоқол қарамади ҳам, индамади ҳам. Гўё жиддий бир нарсани ўйлаётгандек, кўзларини сузиб, чой ҳўплади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Романлар бизда йўқ, – дона-дона гапирди Мустафо Содиқ, – жиддий ва ижтимоий аҳамияти зўр бўлган қиссалар ҳам йўқ.* Ойбек, Нур қидириб. *Ишёқмасларга қарши кураш ички ишлар органлари олдида турган жиддий вазифалардандир.* Газетадан.

3 Ўй-фикрга чўмган, ўйчан, салобатли, сипо, вазмин (киши қиёфаси, ташқи кўриниши ҳақида). *Вагонда ҳамма жиддий, камсухан.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *-Ҳозир ҳосил учун курашнинг авжи вақти, – деди Ўктам жиддий тус билан.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Саидийнинг жилмайиб толмаган башараси бирдан жиддий тус олди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Чин, рост, беҳазил; тайинли. *Жиддий ваъда.* ■ *Лекин Мубораакнинг гапларини жиддийга йўймади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Бундай аччиқ пичингга жавоб қайтариш йўлини тополмаган Ҳасан бориб унинг рўпарасида ўтириб: -Кел бўлмаса, жиддий сўзлашайлик, – деди.* С. Айний, Қуллар. *Шербек кулди: Сиз ўргатинг. Йўқ, Нигора, мен жиддий гапиряпман.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 Ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган; ёмон, хавфли. *Жиддий касаллик.* ■ *Хуррамовнинг елка яраси жиддий эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Пилла қуртининг кушандаси кўп, ҳушёр турилмаса, қурт-қумурсқалар, қушлар, товуқлар жиддий зарар етказиб қўйиши мумкин.* Газетадан.

6 Ўйланганидан мураккаб, кескин, оғир. *Сен, оғайни, тушунмайсан, булар орасидаги гап анча жиддий.* С. Кароматов, Олтин қум.

7 Астойдил, жон-жаҳд билан, ростакамига. *Хат-савод чиқаришга жиддий берилдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Вакилларингиз санъат байрамига жиддий тайёргарлик билан келдилар.* Газетадан. *Ҳамидуллаевнинг ўзи ҳам шоликорлик билан энди жиддий шуғулланаяпти.* «Ўзбекистон қўриқлари».

8 Етарли асосга эга бўлган, асосли; муҳим. *Ҳақиқатан ҳам унинг шеър ёзишига жиддий сабаб бор эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Раҳим Болтаев нима учун жиддий талаблар қўйилишини изоҳлаб берди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

9 Алоҳида, масъулият билан. *Ёш талантларни танлаш ва уларни тарбиялаш ишига жиддий эътибор бермоғимиз керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖИДДИЙЛАШМОҚ 1 Жиддий тус олмоқ; кескинлашмоқ. *Кураш жиддийлашди.*

2 Оғирлашмоқ, ёмонлашмоқ. *Касалнинг аҳволи жиддийлашди.*

3 Жиддий кўриниш олмоқ, ўйчан ҳолатга кирмоқ, ўзини жиддий қилиб кўрсатмоқ. *Фазлиддин йирик тишларини кўрсатиб, хохолади. Кейин жиддийлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саодатхоннинг юзи жиддийлашди.* С. Зуннунова, Янги директор. *-Гапларингиз афсонага ўхшайди, — сал жиддийлашди йигит.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

4 Мураккаблашмоқ, чигаллашмоқ. *Аҳвол жиддийлашди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Ироқдаги вазият жиддийлашмоқда.* Газетадан.

ЖИДДИЙЛИК 1 Мураккаблик, чигаллик; муҳимлик. *Масаланинг жиддийлиги.*

2 Жиддий кўриниш, жиддий тус; ўйчанлик; сиполик. *Усмонов сўзларидан сўнг жангчилар юзида жиддийлик пайдо бўлди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *-Онанинг қадрига етиш керак. Она қайда! — деди Ўктам қариларча жиддийлик билан.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЖИДДИЯТ [*а.* جدّيّت — муҳимлик] *қ.* **жиддийлик 2.** *Энди ҳар иккаловининг ҳам юзига жиддият югурди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Талъатнинг кўзларига жиддият чўкди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖИЗ I Жон ачитадиган, ловуллатадиган бехос оғриқ ҳақида. *Бу гапдан Нусратиллaнинг тани жиз этиб кетди, Турдимат чўтални еб ташлагудай қараб, кўнглидагини билдириб қўйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қўзибой пича ўзини босиб олди: -Эрталаб бўлса, ухлаб ётувдим, қулоғим жиз этди. Ари чақдими, деб мундоқ қарасам — Раҳим.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Юраги жиз этмоқ 1) севиб қолмоқ. *Тўлқинжон Ҳурини биринчи кўрган куниёқ юраги жиз этган эди.* Ф. Мусажон, Ҳури; 2) ачинмоқ, хафа бўлмоқ. *Эрталаб Райимберди тоға келди. У Икромнинг бир оёғи йўқлигини кўриб, юраги жиз этиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЖИЗ II *айн.* **жаз** II.

ЖИЗ-БИЗ 1 *қ.* **жаз-буз.** *Нималардир даҳлизда жиз-биз этиб қовуриларди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма* Овқат тури; қовурма гўшт. [*Бурҳон:*] *Жиз-бизга ниҳоятда уста кўринасиз.* Уйғун, Ҳуррият. *Бир куни нима бўлди-ю, жиз-биз маъмур бўлиб кетди.* У. Икромов, Унутилмас хотиралар.

ЖИЗ-ЖИЗ I **Жиз** I с. такр. *Асалари ҳамма ёғимни жиз-жиз чақиб ташлади.*

ЖИЗ-ЖИЗ II *айн.* **жаз-буз**.

ЖИЗЗА Ўз ёғида қовурилган тўғрамча думба, чарви. *Кароматхон одатдаги очиқлиги билан ўз уйидек, қани олинглар, деб кулди-да, бир-икки дона жиззани оғзига солди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Жизза нон Жиззали нон. *Онаси ҳам шод бениҳоя, Нонуштага ёпди жизза нон.* Ё. Мирзо.

ЖИЗЗАКИ Салга аччиғи, жаҳли чиқаверадиган, гап кўтара олмайдиган, жиртаки. *Жиззаки одам.* ▬ *Чарос аллақандай ўйчан, жиззаки бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Олимжон ҳангу манг бўлиб қолди: раиснинг бу қадар жиззаки ва гиначилигини энди кўриб тургани эди.* Ҳ. Назир, Қанотлар.

ЖИЗЗАКИЛИК Салга жаҳли чиқишлик, гап кўтара олмаслик. [*Бадалов*] *Жиззакилик қилиб, ўтирган ерида нотиққа бир-икки марта луқма ташлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Гапирсак, қулоқ солмайди, жиззакилик қилади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *-Кечирасан-у, аёлингнинг ўзи жиззакироқ экан. Сал сабр қилса, айтганларини муҳайё қилардим, — деди раис Камолга.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЖИЗЗАХЎРЛИК Кўп жизза ейиш, жиззага тўйиш. *Куз кириши билан муллавачалар.. бир пуд-ярим пуд ёғ эритиб, хумчаларга қуйиб, бир-бирларини жиззахўрликка чарлар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЖИЗЗИҚ *фольк. айн.* **жизза.** *Қуйруқ тўғраганлар ейди жиззиқди, бу узукни билдим, кўнгли бузуқдир.* «Ҳасанхон».

Жиззиғи чиқмоқ Кучсиз, беҳол бўлиб қолмоқ. *Кампир болаларининг ўтига куйиб-ёниб, ўртаниб-тутаниб, жиззиғи чиқиб қолган кампир эди.* «Равшан».

ЖИЗИЛЛАМОҚ I **1** Жон ачитиб оғримоқ, ловулламоқ. *Ярам жизиллаб оғрияпти.* ▬ *Бобур ярадор оёғининг жизиллаб куйиб оғригани ва Аҳмад Танбалнинг қўлидаги қилич алланечук таниш эканини бир вақтда ҳис қилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Жиззакилик қилмоқ. *-Ўзинг хато қилгандирсан! — дея жизиллай бошлади Дўндиқ.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан.

Юраги жизилламоқ 1) соғинмоқ, хуморитутмоқ. *-Яхши кўрасанми ўзи? -Ҳа. Бир кун кўрмасам, юрагим жизиллаб туради* [*деди*

Муса]. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ҳаяжонланмоқ, энтикиб кетмоқ. *Назира ўша врач йигит, Комилжон билан турмуш қуришибди. Буни эшитиб, Йигиталининг юраги алланечук жизиллаб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЖИЗИЛЛАМОҚ II *айн.* **жазилламоқ.** *Кабобпаз баррадай нон бетига жизиллаган аллақанча сихларни қалаб, пиёз ва гармдори билан қўйиб кетди.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Хаёл билан бўлиб, балиқни айлантиришни ҳам унутиб қўйибман, бундай қарасам, сели чиқиб жизиллаяпти.* Н. Фозилов, Дийдор.

ЖИЗЯ, жузя [*а.* جزيه – жон солиғи; ер солиғи] *тар.* Ўрта Осиё хонликларида мусулмон бўлмаган фуқароларнинг, асосан ерли яҳудийларнинг мулкидан маълум улуш миқдорида олинган солиқ. *Ўз акамга ўзим закот бергунча, Бошқа юртда жизя бериб юрайин.* «Алпомиш».

ЖИЗҒАНАК, жизғинак 1 Сал куйган, куя бошлаган; қовжираган. *Гуллар майдонида анқийди ҳануз Жасур Брунонинг жизғанак дуди.* А. Орипов, Йиллар армони. *Аламзада сароблар елмоядек елади, Гармселда жизғанак саксовуллар ингранар.* А. Шер, Роз.

2 Жуда қизиб кетган, қизиган. *Очлик ҳар сония минг жонга офат, Жизғинак кўчалар – шарқий қирғоқдир.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

3 *кўчма* Куйган, эзилган. *Бари мунглуғ, дардманд: Бадахшонлик Зебо ҳам Қорақалпоқ Гулойим Армонларда жизғинак.* Миртемир.

Жизғанак бўлмоқ 1) куймоқ, куйиб қовжирамоқ. *У* [*Ойша опа*] *ўтда жизғинак бўлган илонга бир қараб қўйиб, кўкрагига туфлади.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *Кўкламда униб чиққан гиёҳлар аллақачон жизғанак бўлиб, қовжираб ётибди.* О. Ёқубов, Излайман. *У ер-бу ерларда қаддини кўтарган янтоқларнинг шохлари офтобда жизғанак бўлиб қолган.* А. Аҳмедов, Кимёгарлар; 2) куйиб пишмоқ, безовта бўлмоқ. *Кутубхона китобин Қоравой йиртиб қўйди, -Нега йиртдинг? – деб Вали жизғинак бўлиб куйди.* Қ. Муҳаммадий. *Кўп ўйлайверманг, Муҳаббатхон, касал бўлиб қоласиз. Бирор хабар келдими, мунча жизғинак бўлаверасиз?* [*деди Каромат*]. В. Ғофуров, Вафодор.

ЖИЗҒИН *қ.* **жизғанак.** *Жизғин ҳиди.* ▬ *Қиз йиғинда паранжи отди, Жизғин бўлди оловда чачвон.* Зулфия, Хаёллар, туйғулар.

ЖИЙДА Барги узунчоқ, гули хушбўй мевали дарахт ва унинг меваси. *Йўлчи жийданинг остига пичанни қалинроқ ёйиб, устига чопонини қия ташлаб ётди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Боғларга кирсангиз, ғуж-ғуж ўрик, шафтоли, жийда, дўлана, тоғолча. Ҳатто олмуртгача бор.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди. *Оғзиларига биттадан қандак жийда солгач, суҳбат яна қизиб кетди.* Ҳ. Шамс, Душман.

Жийда қоқмоқ 1) жийдани калтак билан уриб туширмоқ; 2) *кўчма* обдан совқотмоқ, совуқдан дағ-дағ титрамоқ. *Кечаси билан жийда қоқиб чиқдим.*

ЖИЙДАГУЛ 1 Жийданинг гули.

2 Жийданинг гули тасвирланган. *Ғуломжон «Кўча боғи»ни тугатиб, олдида турган жийдагул пиёладаги кўк чойдан бир-икки ҳўплайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖИЙДАЗОР Фақат жийда дарахти билан банд ер; жийдали боғ. *Кўринадир кенг қозоқ далаларида ҳам қалин жийдазорлар, ҳам саҳро оҳулари.* Миртемир. *Сой бўйидаги жийдазор ва қамишзорларга шўнғир, дам қўш ёнғоққа чиқиб, этак-этак ёнғоқ қоқар ва болалар билан ўйнар, дам маҳалланинг ёшлангини йиғиб, тузоқда балиқ овларди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЖИЙДА-МАЙИЗ Жийда, майиз, туршаклардан иборат қуруқ мевалар. *Латофат ишда кезларида қўшни болаларини чақириб, аллақайси тўйдан олиб келган жийда-майизни бериб, яна ўқитди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЖИЙДАЯПРОҚ Қовуннинг бир тури. *Эрта баҳорда шўри ювилган тупроқ ҳайдалиб, карта тўрт бўлакка ажратилди. Бир бўлагига сариқ гулоби.. учинчи бўлагига ёзги гурвак, тўрноввот, жийдаяпроқ, замча уруғи кўмилди.* Газетадан.

ЖИЙИРМОҚ Тириштирмоқ, буриштирмоқ. *-Инқилоб қилиб нима орттирдинг? – юзларини жийирди бой. – Биринг икки бўлдими?* «Гулистон».

Бурнини жийирмоқ Энсаси қотмоқ, ғаши келмоқ. *Кечагина «Дўмбиробод» сўзини эшитганда, бурнини жийирган кишилар бугун унинг ҳусн-латофатига шайдо бўлади.* М. Назаров, Сирли хат. *Амакисининг гапига Муҳаббатнинг энсаси қотар, баъзан сездирмай, бурнини жийириб қўяр эди.* В. Ғофуров, Вафодор.

ЖИЙМОҚ 1 Кир босмоқ, кирлаб чириб кетмоқ(кийим-кечак ҳақида).

2 Сасиб, бижғиб кетмоқ. *Муштумзўрнинг жийган ўлакса тани Аллақайси илдиз, чирик бутоққа Илинар, сассиғин сочиб ҳар ёққа.* Ғ. Ғулом.

ЖИЙРОН Қизғиш малла (от туси) ва шу тусдаги от. *Жийрон от.* ■ *Аравакаш жиловни тортди, жийрон зўр куч билан қўзғалди.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Ярим соатдан кейин Ойимхон жийрон тойда етиб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИЙРОНҚАШҚА Қизғиш қашқали от. *Маррага 200 метрча қолганда, қорабайир жийронқашқадан ўтди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. *Доим менинг минганим жийронқашқа, Томоғимдан ўтмайди чойдан бошқа.* «Оқ олма, қизил олма».

ЖИЙРОНҚУШ Узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб, оёқлари, бўйни ва тумшуғи узун қуш.

ЖИКЖИК Чумчуқсимонлар туркумининг сариқ мойқутлар уруғига мансуб қушча.

ЖИКИЛДОҚ Ҳадеб маҳмадоналик қилаверадиган, маҳмадона, билармон. *Жикилдоқ одам.*

ЖИКИЛЛАМОҚ Ҳадеб маҳмадоналик қилавермоқ, бидирламоқ, билармон бўлиб гапирмоқ. *-Ия, тақсир, менинг қайси гапим ҳақ эмас?! – жикиллади домла.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кампир кўзига ёш олди: -Ахир рўзғордан орттириб, у-бу қилиб қўяй десам, жикиллаб қўймадингиз.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ЖИКИЛЛАШМОҚ Айтишмоқ, баҳслашмоқ.

ЖИККАК Жуссаси кичик, ихчам. *Самоварчи чувак юзли, эти суягига ёпишган, жиккак ва шу билан баравар ғирт кўса одам эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Жуда соз, – деди сочига қиров туша бошлаган жиккак, қирра бурун Абдулла ибн Ҳасан хурсандчилигини яширишга уриниб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЖИКТОҚ Балиқчилар туркумига мансуб қуш (чигирткаларни кўплаб қириб, қишлоқ хўжалигига фойда етказади).

ЖИЛАВУҚ *фольк.* Йиғлоқи. *Эналари парвариш қилиб юрди. Булар чақалоқ вақтидан жилавуқ бўлди.* «Баҳром ва Гуландом».

ЖИЛАМОҚ *фольк.* Йиғламоқ. *Кўкда булут буни кўрди – жилади, Баланд тоғлар ўпирилиб қолади.* «Ойсулув».

ЖИЛВА [*а.* جلوه – йилтираш, шуъла] **1** Товланиш, тусланиш. *Осмон тўла юлдуз, жимир-жимир жилваси кўнгилга ғулув солади.* «Ёшлик». *Қуёш заррин кокилларини ёзиб, жилва қилмоқда.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Қуёш шуъласида жилва уриб, чўғдек товланиб турган олтинранг ва шафақранг япроқлар!* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Ишва, ноз-карашма. *Йигитлар давра олишиб, раққосалар оёғи остига пойандоз тўшаб, уларнинг бир жилва нигоҳи учун жон фидо қилгудек ҳолатда эдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *-Хўп, майли, мен кетай, – деди Ҳаёт, жилва билан қайрилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жилва қилмоқ 1) ноз-карашма қилмоқ. *Ёр эшигида туриб, Бир жилва қилай деди, Ҳар хил қилиқлар қилиб, Кўнглини олай деди.* «Оқ олма, қизил олма». *Кунлардан бир куни.. уй эгаси бундоқ қараса, йўлакда сарвқомат бир жувон жилва қилиб турибди.* Газетадан; 2) акс этмоқ, кўринмоқ. *Шукуровнинг кўзларида шўх учқунлар жилва қилди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Унинг* [*Хўжабековнинг*] *чўзинчоқ юзларида, чуқур тушган кўзларида киноя жилва қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЖИЛВАГАР 1 *айн.* **жилвали 2.** *Товусдек жилвагар ва сервиқор бу миноралар* [*Бухоро ва Хива минoралари*] *неча асрлардан буён кишилар ақлини мафтун этиб келади.* Газетадан.

2 *кўчма* Ўйноқи, нозли, ишвали. *Жилвагар кўзлар Омонни тамоман ўзига мафтун этди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЖИЛВАДОР *қ.* **жилвали 2.** *Сув оқади эгатлар бўйлаб Оқ ипакдай кўркам, жилвадор.* Ғайратий.

ЖИЛВАКОР *қ.* **жилвагар 1, 2.** *Сўлим соҳил, жилвакор дарё тўлиб оқарди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Осмон маликаси – жилвакор ой дашт устидан пастлаб ўтади, бошоқлар бетини ўпиб кетади.* Газетадан.

ЖИЛВАЛИ 1 Ноз-карашмали, ишвали, ишвагар. *Жилвали қараш. Жилвали кўзлар.*

2 Ранг-баранг товланувчи, тусланувчи. *Шоҳи япроқлари марварид таққан, Жилвали меваси бизларга ёққан.* Миртемир.

ЖИЛВИР, жилвир қоғоз Қайроқ қум қопланган қоғоз ёки мата (буюмларнинг сиртини силлиқлаш, сайқаллаш, жилолаш учун ишлатилади).

ЖИЛВИРЛАМОҚ Жилвир қоғоз билан силлиқламоқ, сайқалламоқ, жилоламоқ.

ЖИЛД I [*а.* جلد – пўст; тери] **1** Бирор нарса устидан кийдириладиган, қоплаб қўйиладиган ғилоф. *Ёстиқ жилди. Тўшак жилди.* ▬ [*Гулнора Собирова*] *Қўлидаги кўрпа жилдини машинадан чиқариб, ўзи нафис қилиб солган гулларни завқланиб кўздан кечирди.* Газетадан.

2 Илгариги вақтларда мактаб болалари портфель ўрнида ишлатган халта. *Эсингизда борми, бўйнимизга жилд осиб, «Урфон» мактабига қатнаган кунларимиз?* А. Қаҳҳор, Сароб. *Деҳқонбой ака ҳали-ҳали кўз олдидан кетказа олмайди: Елкасида жилд. Бир бурда нон, мева-чева солинган..* Газетадан. *Кўк жилдимда алифбе ва бир бурда нон, Биринчи бор қадам қўйдим мактаб томон.* Э. Воҳидов, Нидо.

Сомсанинг жилди Сомсанинг қиймани ўраб турган, кўпинча қат-қат хамир қисми. *Мантисининг қиймасига ичак-човоқ ишлатар, сомсасининг жилдига жир, демакки ёғ ишлатар.* «Муштум». *Ундан кейин ошпаз йигит мудирликка келди. Аммо пармуда сомсага уста эди. Мен жилд очиб бериб турардим, у тугиб ташлайверарди.* С. Аҳмад, Ҳикоялар.

ЖИЛД II [*а.* جلد – муқова] Кўп қисмли бадиий ёки илмий асарнинг ҳар бир нашр қилинган қисми; том. *Қиши билан бир неча жилд китоб ёзиш мумкин.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Минг жилд китоб ўқиб, бир жоҳилга гап топиб беролмасам, мана бу каллани нимага кўтариб юрибман?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЖИЛДИРАМОҚ Оз миқдорда оқмоқ, милтираб тушмоқ *Самовар жўмрагидан сув жилдираб оқмоқда.* ▬ *Ариқчалардан жилдираб оққан сув узун тарнов орқали ҳовузга тушади.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

ЖИЛДИРМОҚ 1 Ҳаракатга келтирмоқ, юргизмоқ. *Хўжайиннинг феълига тушуниб қолган кучер извошни беозоргина, секин жилдирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Узоқлаштирмоқ, йироқлаштирмоқ. *Ташқаридан хабар олинг. Миршабларни маҳкама атрофидан жилдирманг.* Н. Сафаров. Уйғониш.

ЖИЛДЛАМОҚ *кам қўлл.* Жилд билан қопламоқ, жилдга солмоқ. *Ёстиқларни жилдламоқ.*

ЖИЛДЛИ Жилд билан қопланган, жилд кийдирилган, жилдга солинган. *Жувон эпчиллик билан тахмонда қатор-қатор тахланиб ётган кўрпалар устидан иккита духоба жилдли пар ёстиқ олиб, меҳмоннинг орқасига қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЖИЛДЛИК 1 Ғилоф (жилд) қилиш учун мос, ғилофбоп. *Жилдлик газлама.*

2 Ғилоф (жилд) учун мўлжалланган газламанинг миқдори. *Икки жилдлик сурп.*

ЖИЛЕТ(КА) [*фр.* gilet < Gille – қизиқчи, масхарабоз номидан] Енгсиз калта камзул, нимча. *Эгнидаги тўқ қизил кўйлаги, унинг устидан кийиб олган қора жилеткаси.. ўзига хўп ярашган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖИЛЛА Унча, у қадар, бир оз. *Собир ортиқча куюнчаклик ва ғамхўрлик кўрсаткиси келса, Анорхонга жилла ёқмас эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Жилла фурсат ўтмай, қўлида патнис кўтариб, официантка қиз пайдо бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Жилла қурса (*ёки* **бўлмаса, бўлмаганда**) Жуда бўлмаганда, ҳеч бўлмаганда, лоақал. *Жилла бўлмаса, менинг келишимни кутсанг бўлмасмиди!* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Ахир, жилла бўлмаса, ўзим учун бир пиёла беринг, мана, ҳар қанча пул десангиз, берай [деди карвонбоши].* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЖИЛМАЙМОҚ 1 Кулумсирамоқ, табассум қилмоқ. *Қиз Умидга қараб жилмайди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ўтеген Шомуроднинг ўдабуронлигига қойил қолиб жилмайди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген.

2 *кўчма* Кўринмоқ, юз кўрсатмоқ (Ой, Қуёш ҳақида). *Булутлар орасидан ой жилмайди.* ▬ *Шу чоқда дераза олдига келиб, Жилмайиб боқадир қуёш – олтин қиз.* Ғайратий.

ЖИЛМОҚ 1 Жойидан қўзғалмоқ, силжимоқ, сурилмоқ. *Отақўзи жойидан жилмади, чойи совиб қолган пиёлани қўлида айлантирганича ўйга толди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Неча соатдан бери ўрнидан жилмай тик турган Аваз беихтиёр бир қадам олға босди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ярим соатча ўтгандан кейин, машина жилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Бошқа ерга кўчмоқ, кетмоқ. *Дарахт бир ерда кўкаради.. Отанг раҳматлик умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Юришмоқ, олға босмоқ. *Шу курс билан ишим оз-оз олдин жилди.* F. Ғулом.

ЖИЛО [*а.* جلى – силлиқлаш, сайқал] **1** Силлиқ ёки сайқалланган сиртнинг товланиши, ялтираши. -*Сув жилосини кўрсам, кўзим қувонади, тўлқинида кўнглим ўсади, – дерди Усмонхўжаев.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Аҳмаджон йўлакай сувнинг олтин жилосидан кўз узмай, жим борарди.* Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар. *Қуёшнинг бутун рангини кўрмоқчи бўлган одам Марғилон атласининг товланишига, қоракўл барраларининг жилосига тикилсин.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 *кўчма* Кўрк, ҳусн. *Қаён боқса, ўзгача жило, Қаён боқса, гўзаллик пинҳон.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Азалдан «Самарқанд ер юзининг жилосидир, кўркидир» деган нақл бор халқ орасида.* Газетадан.

Жило бермоқ 1) жилоламоқ, сайқаллаб, пардоз бериб ялтиратмоқ. *Мўйқалам соҳибларининг диди-маҳорати билан маҳсулотга жило берилади.* «Гулистон»; 2) ҳусн, кўрк бермоқ. *Бу нур – эрк, озодлик, тинчлик, бахт, виқор, Бунга жило берар қирқ йиллик умр.* Х. Расул; 3) ялтирамоқ, ярқирамоқ, жилва қилмоқ, товланмоқ. *Ранго-ранг мармарлардан ишланган бу мақбара ҳозир ҳам ёрқин жило бериб турибди.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

ЖИЛОВ 1 Юганнинг чарм тизгини. *Жиловини бўшатмоқ.* ▬ *Катта тош йўлда елиб келаётган отлиқ «тисс» деб, отнинг жиловини тортди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Ноиб отдан тушиб, жиловни эгар қошига ташлади.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Бошқариш, идора қилиш тизгини; ҳокимият. *У пайтлар хон ёш эди, салтанат жилови энди қўлига ўтган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Изм, эрк, ихтиёр. -*Ўзимиз инглиздан зўрға қутулдик, лекин у ҳамон жиловимизни бергиси келмайди, – деди Исмоилхон.* Ойбек, Нур қидириб. *Имтиҳон яқинлашаётганини унутма, жиловинг менинг қўлимда [деди ўқитувчи Одилжонга].* «Муштум». *Подшо жиловида юради шотир, Ёвга от қўяр доим пирдай бўп ботир.* «Юсуф ва Аҳмад».

Жилов урмоқ Тиймоқ, тартибга солиб қўймоқ, бўйсундирмоқ. *Дарёга жилов урди Ўктам инсонлар.. Улуғ бир тўфон қурди.* Миртемир. **Жиловини бўш қўймоқ** Ўз ҳолига, ихтиёрига қўйиб юбормоқ. *Жиловини бўш қўйганингиздан кейин шундай бўлади, раис.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Жиловини тортиб қўймоқ** Тартибга чақириб қўймоқ; танбеҳ бермоқ. *Давлат машинасидан текин пул топиш, бойлик орттириш учун фойдаланаётган бу шахсларнинг.. жиловини тортиб қўядиган ташкилот йўқмикан?* Газетадан. **Жиловини қўлга олмоқ** Бошқаришни, идора қилишни ўз қўлига олмоқ. **Жиловини қўлдан бериб қўймоқ** Бошқаришни, идора қилишни қўлдан чиқармоқ.

ЖИЛОВБАРДОР *тар.* Ўрта Осиё хонликларида: мансабдорларнинг отларига қаровчи ва уларга йўлга чиқишда отни ростлаб бериб, йўлдан қайтганда кутиб олувчи хизматкор.

ЖИЛОВДОР 1 *қ.* **жиловбардор**. *Султон Ҳусайн бўйнини чўзиб, жиловдорлар билан чақчақлашиб ўтирган Паҳлавон Муҳаммадни кўрди* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Жиловдор қул ҳалак бўлиб келади.* »Алпомиш».

2 *эск. ҳарб.* Отларга қараш учун ажратилган аскар.

3 *кўчма.* Бошлиқ, раҳбар. *Орадан кўп ўтмай, у* [*Порсоев*] *Сурхондарёда область халқ маориф бўлимига жиловдор бўлди.* «Муштум». *У* [*Раҳим Толипович*] *ҳозир ҳам жиловдор. Қайси куни бир мажлисда маърузага чиқди.* Газетадан.

ЖИЛОВЛАМОҚ 1 От-улов бошига нўхта ёки юган солмоқ. *Ҳамроҳи отга етиб келиб, саманни жиловлаб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Тиймоқ, тартибга солиб қўймоқ; бўйсундирмоқ. *Унинг ўғли Абулҳорис Мансур ҳам бебош вазирлар, исёнчи ҳокимларни жиловлай олмади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Амударёни жиловласак, Ўзбекистон бутун-бутун янги пахта водийлари яратади.* Ойбек, О.в.шабадалар.

3 *кўчма* Эгалламоқ, ўрганмоқ. *Йигитлар машғулотларга мунтазам қатнашарди, техникани тезроқ жиловлаб олишга ҳаракат қилишарди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЖИЛОВСИЗ 1 Тизгинсиз. *От жиловсиз юрибди.*

2 *кўчма* Бебош, қулоқсиз. *Бўйи етган ёш қизлар баайни жиловсиз от, баъзан боши оққан томонга бурилиб кетиши мумкин.* Мирмуҳсин, Умид. *Яхшиям шу телба, буюк, жиловсиз ишқ бор жаҳонда.* С. Нуров, Нарвон.

ЖИЛОВХОНА *тар.* **1** Шоҳ, хон саройларига ёки масжид ҳовлисига кираверишда-

ги махсус хона ёки бостирма. *Жиловхонадаги намоз кутиб ўтирган қавмлар ичида Самад буқоқ, Шукур сўфилар ҳам кўринар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Йўлчи масжиднинг жиловхонасидаги супачага ўзини ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Жиловдорлар истиқомат қиладиган хона.

ЖИЛОЛАМОҚ Сайқалламоқ, пардозлаб ялтиратмоқ. *Мебелларни жилоламоқ.* ▬ *Қатим тортдим жилолаб, Меҳримни қўшиб боғлаб.* Т. Тўла.

ЖИЛОЛАНМОҚ 1 Жилоламоқ фл. мажҳ. н. *Жилоланган либос.*

2 Ялтирамоқ, ярқирамоқ, жилва қилмоқ, товланмоқ. *Йўл-йўлакай шилдираб, Сен ёқимли куйлайсан, Жилоланиб, жилдираб, Не хусусда сўйлайсан?* З. Диёр. *Бу янги диёрлар, пахтазор далалар, жилоланиб лиммо-лим оқаётган каналлар ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолгани йўқ.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ЖИЛПАНГЛАМОҚ 1 Тўлқинсимон, илон изи каби ҳаракат қилмоқ, тўлғанмоқ. *Оқ ит жилпанглаб, олдинги оёқларига чўккалади.* «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма* Қийшангламоқ, ярашмайдиган қилиқлар қилмоқ. *Домла ер остидан паранжи тагида жилпанглаб турган шўх аёлга бир боқди-да, никоҳ хутбасини бошлаб юборди.* Ғайратий, Довдираш. *Ҳақиқатан у баъзи штаб бошлиқлари сингари ўзидан юқори командирлар олдида жилпанглай бермас, кўзга ташланмасди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЖИЛПИТМОҚ *фольк.* Сакратмоқ. *Ариқ келса ирғитди, Жилға келса жилпитди, Ҳар куни икки маҳал Отдан тушиб ўтлатди.* «Ойсулув».

ЖИЛҒА Тоғ ва тоғ ёнбағирларидан оқиб тушадиган кичик сой; йилға. *Мен жилғаман, Дарё бўлиб тўлгим келади. Она юртим, Сенга ўғлон бўлгим келади.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. *Қирғоғида гўзал юлдузлар Ўйнаётган жилғага бордим.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Қашқатовнинг кунгай томонида чап қўлга қараб кетган жилға бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЖИМ *рвш.* **1** Овоз, товуш чиқармай, индамай, овозсиз, товушсиз, сукут сақлаб, сукунатда. *Мум тишлагандек жим ўтирмоқ.* ▬ *-Саидғози, сен гапирганда, Шербек жим ўтирган эди, — кимдир луқма ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ота-бола анчагина жим борди. Ўртага оғир сукунат тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қимирламай, қимир этмай, ҳаракатсиз, тек. *Унинг кўзини юмиб, жим ётганини кўрган Бобоқул ота ўрнидан қўзғалди: -Сен тинчгина ухлайвер, чироқ. Мен.. бир айланиб келай.* С. Анорбоев, Оқсой. *Омон бўлинг-е, раис ака.. тийинигача тўғрилаб дафтардан ўтказдик-ку? Бироқ ўзингиз, жим ётган илоннинг бошини қўзғаб, яхши қилмадингиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

Жим бўлмоқ 1) тўхтамоқ (гап, сўздан); сукутга кетмоқ, сукутга ботмоқ. *Ойи, сиз сезасизми, бойникида орқамдан кулишади, гапиришади.. ман яқинлашсам, жим бўлишади.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) тинчимоқ, босилмоқ (овоз, товуш, шовқин ва ш. к. ҳақида). *Фақат болғаларнинг тарақ-туруғи жим бўлганда, Йўлчи жиддий суҳбатга ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмаджон бир сидра ўқ ёғдиргандаёқ немис пулемёти жим бўлиб қолган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *унд. с. взф.* Овозингни ўчир, товушингни чиқарма, тинчлан. *-Жим!— муштини кўтарди Ёрмат..* Ойбек, Танланган асарлар. *-Жим, жим!— деди Қумри ярим товуш билан. — Гулшан бизникига ухлагани келган экан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Жим бўлиб кетмоқ Хат-хабар қилмай, дарак бермай, кўринмай кетмоқ. *Ака, нимага жим бўлиб кетдингиз? ..Мен сизни жуда соғиндим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Жим турмоқ** (*ёки* **ўтирмоқ**) Гапирмай, эътироз билдирмай, қаршилик кўрсатмай туравермоқ. *-Тўғри, — деди Ўрмон полвон,— агар жим турсак, улар ҳар бир иш қиладир.* С. Айний, Қуллар. *Бир бечорага туҳмат қилишса-ю, била туриб, кўра туриб жим ўтирсам, гуноҳ бўлмайдими?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖИМГИНА *рвш.* Индамай, гаплашмасдан. *Иккаламиз шаршара шабадасида жимгина ўтириб чекишдик.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ЖИМЖИЛОҚ Қўл ёки оёқнинг бешинчи, энг кичик бармоғи. [*Маъмуржон*] *Жимжилоғи билан қулоғини чўқилай-чўқилай, у ёқбу ёққа юра бошлади.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Чап қўлининг жимжилоғи сирқираб оғрир эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЖИМЖИЛОҚДАЙ, -дек. Жуда кичкина, кичик. *Муаллим қўлига бўр олиб, доскага жимжилоқдайгина тикка таёқча чизди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир мухбир ўртоғим жим-*

жилоқдек келадиган ён дафтарчасига қараб, филдай-филдай гапларни гапириб берди. «Муштум».

ЖИМЖИМА Серҳашам ўйма нақш, гул, кунгура. *Панжараларнинг жимжимаси.* ▬ *Шкафинг нақшлари жимжима ўйноқ, Жилвали кўркига мумкинми тўймоқ?* Қ. Муҳаммадий.

2 Жилвали, товланиб турган. *Сайр эттирдинг жимжима кўлда, Сайр эттирдинг хиёбон, боғда.* Ҳ. Салоҳ, Қолдирмасман мен сени доғда.

Жимжима қилмоқ Мавжланмоқ, товланмоқ. *Тушки офтобнинг тик тушган нурлари остида дарё суви жимжима қиларди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ЖИМЖИМАДОР Серҳашам ўйма нақшли, кунгурали. *Жимжимадор, нақшин панжара.* ▬ *Тошбобо қайтиб келиб, жойига ўтирганида, қўлида жимжимадор узун ҳасса бор эди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Асадулло ва Аҳмад қўш тавақали, қадимий усталар ижодига мансуб жимжимадор, ўймакор эшик ёнида тўхташди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЖИМЖИМАДОРЛИК 1 Серҳашамлик, ғоят ҳашаматдорлик. *Эшикнинг жимжимадорлиги.*

2 Баландпарвозлик, дабдабабозлик. *Лермонтов поэзияси ҳар қандай баландпарвозлик, сафсатабозлик, жимжимадорлик ва турғунликдан ҳоли.* Газетадан.

ЖИМЖИТ Тинч, осуда. *Кичик укам ухлайди, Жимжит ўрнида.* З. Диёр. *Йўлчи жимжит кўчада танҳо айланиб юриб, бойникига қайтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қишлоқ жимжит, ҳамма маст уйқуда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Жимжит бўлиб кетмоқ *айн.* **жим бўлиб кетмоқ** *қ.* **жим**. *Хайр, Зуҳрахон, жимжит бўлиб кетманг.. Тез-тез хат ёзиб туринг.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

ЖИМЖИТЛИК Товуш, шовқиннинг йўқлиги; тинчлик, жимлик, сукунат. *Орага бир нафас жимжитлик тушди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Олимжон ўртага тушган жимжитликни бузиб, раисга қаради.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Катта зални пашша учса эшитиладиган даражада жимжитлик қоплаб олган.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЖИМИЛЛАМОҚ *қ.* **жимирламоқ**. *Дарғам сойнинг сувлари Чўлга оқар жимиллаб.* «Шарқ юлдузи». *Жингалак сочли йигит ўз сўзини шу ерга келтирганда, Хадича холанинг бадани чумоли юргандай жимиллаб кетди.* Т. Алимов, Совға.

ЖИМИМОҚ Жим бўлмоқ, сукутга кетмоқ; тўхтамоқ. *Кулгилар билан гуркураб турган гузар бирдан жимиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Маҳмуд қовоғини уйиб, жимиб қолди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ойқиз билан Олимжон қўшиқ айтиб оқаётган ариқ ёқалаб, аллақачон жимиб қолган қишлоқ кўчасига бурилдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шу чоқ узоқдан чинни пиёла жарангидай кулги эшитилди-ю, тезда жимиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЖИМИР: эти (*ёки* **бадани**) **жимир этмоқ** Кучли ҳаяжонламоқ, баданига титроқ югурмоқ. *«Генка ойисини топибди», деган хабар бир зумда бутун батальонга тарқалди. Бу хабарни эшитганимда, менинг ҳаяжонланганимни айтмайсизми. Этим жимир этиб кетди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ЖИМИР-ЖИМИР 1 Жилвали, ўйноқи, мавжли; ялтираб. *Гўё ҳисобсиз юлдузларни ўз оғушига олгандек, жимир-жимир оқади Қашқа.* С. Нуров, Дурдона. *Гавҳар, кўлнинг жимир-жимир тўлқинларига тикилиб, бир лаҳза жим қолди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Эгатлардан жимир-жимир тафт кўтарилади.* С. Нуров, Нарвон.

2 Милтиллаган, жилва қилган ҳолда. *Тим қоронғилик ичида узоқдан юлдузлар жимир-жимир кўз қисар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Жимир-жимир қилмоқ *айн.* **жимирламоқ.** *Сув юзи жимир-жимир қилар.. сувда ой акси ўйнарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЖИМИРЛАМОҚ 1 Майда тўлқинлар билан қопланмоқ, мавж урмоқ. *Ҳиротни айланиб ўтадиган Ҳарируд дарёси жимирлаб оқиб ётарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ёвариқ суви жимирлаб, ниманидир шивирлаб оқмоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Милтиллаб кўринмоқ, жилва қилмоқ. *Аҳмад бригадир гугурт чўп билан тишини ковлаб, осмонга, юлдузлар жимирлаб турган кўкка тикилди.* С. Нуров, Нарвон. *Олов сели жимирлайди.* К. Яшин, Ҳамза.

Кўзим (*ёки* **кўзларим**) **жимирлаб кетди** Кўз ўнгим қоронғилашди, кўзим тинди.

ЖИМИРЛАШМОҚ: кўзи жимирлашмоқ 1) кўз ўнги қоронғилашмоқ. *Боқди ҳар ён шо-*

шиб-пишиб, тўймас қараган сари. Бирданига жимирлашиб, тиниб кетди кўзлари. Т. Тўла; 2) кўз қамашмоқ. *Офтобда қорга қарасам, кўзим жимирлашади.* **Эти (***ёки* **бадани) жимирлашмоқ** Баданига титроқ югургандай бўлмоқ; сесканмоқ. *Қизнинг ҳар бир гапи унинг* [*Элмуроднинг*] *баданига муздек сув томчилари томаётгандек таъсир қилди, аъзойи бадани жимирлашиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИМИТ Жуда кичкина, кичкинтой, жажжи, митти. *Жимит китобча.* ▬ *Қуш жимит кўзларини мўлтиратганича туриб қолди.* «Шарқ юлдузи».

ЖИМИҚМОҚ: жимиқиб кетмоқ *кам қўлл.* Жим бўлиб кетмоқ, дарак бермай, кўринмай кетмоқ. *Жимиқиб кетма, тез-тез келиб тур.*

ЖИМЛИК *қ.* **жимжитлик**. *Ғовур босилди. Бир лаҳза жимликдан сўнг кулги кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Тун жимлигини самолёт моторининг узоқдан келаётган бўғиқ товуши бузмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Жимлик чўкмоқ (*ёки* **тушмоқ**) Сукунат, жимлик пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ. *Сўнг орага ноқулай жимлик чўкди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Болохонага жимлик чўкди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Орага бир нафас жимлик тушди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЖИММА-ЖИММА *фольк.* Кўп-кўп, жуда кўп. *Қулоқ сол, тўражон, айтган сўзима, Жимма-жимма ёшим тўлган кўзима. Холбекани мен кўрсатсам, тўражон, Кирасига не берасан ўзима?* «Кунтуғмиш».

ЖИН I [*а.* جنّ – афсонавий махлуқ; арвоҳ; ёвуз руҳ] **1** Шарқ мифологиясида ва диний тасаввурларга кўра: пастқам жойларда киши кўзига одам тимсолида кўриниб, гўё уни бирор дард-иллатга чалинтириб (мас. оғзини қийшайтириб) кетадиган афсонавий махлуқ. *-Энди бу ерда илгаригидай бойўғли сайрамайди. Ҳеч кимнинг кўзига жин ҳам кўринмайди, – деди Юсвали тоға.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Букри домла Майнани жинми, парими деб ўйлади шекилли, турган жойидан силжимай, аллақандай дуони пичирлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *кўчма* Кишининг табиати, таъб. *Шунақанги гапларни жиним суймайди.* ▬ *Бепарво, бўшанглик мардга эмас эп, Бундай одамларни ёқтирмас жиним.* Ж. Жабборов. *Сатторқул аканг уйни тузаттириб бермоқчи. Майли, ўшанда дераза ҳам қурсин, оқлатсин ҳам, токча жинига ёқмаса, суватиб ташлай қолсин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Жин кўча Пастқам тор кўча. *Хиванинг жин кўчалари ҳувиллаб ётибди.* С. Сиёев, Аваз. **Жин тегмоқ** Кайфияти бузилмоқ. *Нариги хонадан опасининг уф тортгани эшитилди: -Нима жин тегди унга? -Опа, қўрқяпман,– деди Чарос овози титраб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Жин урмайди** Ҳеч нарса қилмайди, таъсир қилмайди. *-Хотинингизга жин ҳам урмайди, аввал хашак жамғариш топшириғини бажаринг! – деди совхоз директори Саидмурод ака.* Н. Қобил, Беморлар. **Жин урсин** *қарғ.* Балога учрасин; худо урсин. *Сенларнинг гапларинг қизиқ бўлди-ку, жин урсин сени!* С. Кароматов, Олтин қум. **Жин чироқ** *қ.* **жинчироқ. Жини тутмоқ** Таъбига, кўнглига ёқмаган иш ёки гапдан жаҳли чиқмоқ; жиғибийрон бўлмоқ. *Бирпасда дадамнинг жини тутди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Жини қўзимоқ** (*ёки* **қўзғамоқ**) *айн.* **жини тутмоқ.** [*Заргаров Насибага зеҳн солиб:*] *Ҳм.. Формада олиб бора кўрма, формани кўриб, ЗАГС мудирининг жини қўзғамасин тағин.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Жинига тегмоқ** *ёки* **жинини қўзғатмоқ** Табиатига тўғри келмайдиган иш, ҳаракат ёки гап билан жаҳлини чиқармоқ; асабини қўзғатмоқ. *Жинимга тегмаган сен бормидинг?* **Жинидан баттар ёмон кўрмоқ** Қаттиқ ёмон кўрмоқ. *Домла бозор қилишни, магазинга боришни жинидан баттар ёмон кўрар эди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. **Сени** (*ёки* **сенга) нима жин урди?** Сенга нима бўлди? Эсингни едингми? Ақлдан оздингми? [*Қози Мулладўстга:*] *Сенга нима жин урди?* – [*Мулладўст:*] *Сизни урган жин! Жим туринг, бу кун ҳам озлик қилмасин!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ЖИН II : **жин чақа** *айн.* **жиринг чақа** *қ.* **жиринг**. *Жин чақа ҳамманинг кармонига тупуриб, бойларнинг ҳамёнига ўзини уради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖИН III [*ингл.* gin < engine – машина]: **жин машина** Пахта тозалайдиган, чигитдан толаларни ажратиб оладиган машина. *Завод ичкарисида »жин»лар пахта тозалаб чиқармоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЖИНГ: **(ғ)инг йўқ, жинг йўқ** Ҳеч нарса демай, эътирозсиз, гап-сўзсиз; сабр-қаноат билан. *Қорни тўқ, эгни бутун бўлса бас. Инг йўқ, жинг йўқ, ишлайверади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖИНГАК: **жингак бўлмоқ** 1) буришиб-тиришиб қолмоқ, қуришиб қолмоқ, бужмаймоқ. *Офтобда тери жингак бўлиб қолибди;* 2) муз-кесак бўлиб қимирламай қолмоқ, увушмоқ. *Совуқда қўлларим жингак бўлиб қолди.* **Жингаги чиқмоқ** *айн.* **жингак бўлмоқ**.

ЖИНГАЛА(К) 1 *сфт.* Табиий ёки сунъий равишда ҳалқа ёки ярим ҳалқа шаклида буралган, қўнғироқ (соч, жун ҳақида). *Жингала(к) соч. Сочлари жингала(к) бола.* ▬ *У* [*шофер*] *жингалак сочини панжалари билан тараб-тараб, бир оз хаёлга толди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Эъзозхон Тўлқиннинг жингалак сочини силади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *от* Шундай буралган қўнғироқ сочнинг бир бурами. *Сочларининг жингалакларида шуълалар мавжланиб ёнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *от* Баъзи ўсимликларнинг, мас., токнинг чирмашадиган новдачаси.

ЖИНГИЛЛАМОҚ *қ.* **жиринглама**қ. *Танга жингиллаб тошга тушди.*

ЖИНГИР-ЖИНГИР *қ.* **жангир-жунгир**.

ЖИНГИРЛАМОҚ *қ.* **жиринглама**қ. *Олдида самовар пишқириб қайнар, Қўлида чинниси жингирлаб ўйнар.* «Оқ олма, қизил олма».

ЖИНГИРТОБ I Жазирама офтобда ёки ўтда обдан қизиган, қақраган, қайишган, қовжираган. *Нусратбек ўқ ариқ ёқасидаги гулхайриларга тикилиб қаради. Япроқлари жингиртоб, тугмасимон гуллари илма-тешик.* С. Нуров, Нарвон.

ЖИНГИРТОБ II Бирдан кўтариладиган, ўта нишаб, тик. *Ўктам ранг-баранг майда тошлар билан тўла сойликдан жингиртоб тепага кўтарилди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЖИНГИРТОБ III Бир-бирига киришиб, ажратиш қийин, чигал ҳолга келган, жингала ҳолатли. *Кўчалар ғишт, тупроқ, темир-терсак, кўмирланган ёғоч, жингиртоб симлар билан тўла эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Жингиртоб қилмоқ Қийнамоқ, оздирмоқ. *Айрилиқ азоби Ҳаққул отани жингиртоб қилиб, шу кеча ухламасдан фиғон чекиб чиқди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар..

ЖИНГУЛ Итбурунннинг майда гулли тури. *Товуқ туткич бермай, анҳор бўйидаги жингул остига кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖИНДАЙ, **-дек** *рвш.* Бир оз, озгина, қиттак. *Жиндай ухлаб ол. Жиндай сабр қил.* ▬ *Козимнинг гап оҳангида жиндай такаллуфсизлик сезилиб турарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Олимжон Бойчиборга яна жиндек беда ташлаб, аста Ойқиз ёнига келди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

ЖИНЖАК Дуккакли ўсимликларнинг бир тури.

ЖИНЖАЛОҚ *шв.* Жимжилоқ.

ЖИНКА *шв.* Пакана.

ЖИННИ [*а.* جنّى — жин, руҳ] **1** Ақлдан озган, руҳий касалликка йўлиққан; телба, савдойи. *Ўша қўшнининг қизи шу ёнғоқ тагида кўп ўтириб, жинни бўлиб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Қурвонбиби жинни бўлиб, паранжисиз ва йиртиқ кийимлар билан эшонникига келган вақтида, уни занжирга боғлайдиган одам ҳам топилмади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 *кўчма* Хаёлига келган аҳмоқона ишлар, ярашмаган қилиқлар қиладиган киши; аҳмоқ, нодон. *Маслаҳатингиз учун раҳмат, раис. Мен бўлсам, жинни бўлиб, сизга мақтанибман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жинни бўлибсан, Тоҳир! Ҳамма урушдан қочса, сен бу аждаҳонинг комига ўз ихтиёринг била бормоқчисан!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ўзини яқин олиб, эркалатиб гапирганда ёки ҳазил тариқасида «девона», «тентак» каби маъноларда ишлатилади. *Девона севикли қовоғини сўрида кўриб қувона кетди: -Вой, жиннилар.. қовоғимни бер, жиннилар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Жинни шамол Гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан эсадиган шамол, уюрма шамол. **Жинни қилмоқ** Эс-ҳушидан айирмоқ. [*Зубайда*] *Нозу адо билан дутор чертиб қўшиқ айтганда, эшитганни жинни қилармиш.* К. Яшин, Ҳамза. **Жинни қўйнинг калласини едингми?** Эсингни едингми? Жинни бўлдингми? **Жиннисини чиқармоқ** 1) калака қилмоқ. *Қорбўрон қилиб, унинг жиннисини чиқаришди;* 2) расвосини чиқармоқ, дабдала қилмоқ. *Болалар қўғирчоқнинг жиннисини чиқарибди.* **Латта жинниси** Турли хил латта-путта, газмолларга ўч, ишқивоз. *-Латта жинниси! — деб бақирди Бўтабой бутун аламини хотинидан олмоқчи бўлиб, — латтанинг учини кўрсатса, ўзингни томдан ташлайсан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖИННИВАЧЧА [жинни + *ф.* بچه — бола] *сўк.* Жиннидан туғилган, жиннидан тарқаган.

ЖИННИВОЙ *с.т.* Ўзини яқин олиб гапирганда, эркалаш ва ҳазил тариқасида «тентаквой» маъносида қўлланади. *Попук жиннивой бўлса, ори келди шекилли, сомсани отиб юборди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЖИННИЛИК 1 Телбалик, савдойилик. *Унда жиннилик асари бор.*

2 *кўчма* Ножўя, аҳмоқона иш; тентаклик, аҳмоқлик. *-Латифий ўзи хўп келишган йигит-у, лекин шўхлик қиламан деб, жиннилик қилгани ёмон, бемаза гапни кўп айтади,— деди* [*Фотима*]. П. Турсун, Ўқитувчи.

Жиннилиги тутмоқ (*ёки* **қўзимоқ)** Ғазабланмоқ, аччиқланмоқ. *Ниҳоят, Ойимча бибининг сабри тугаб, жиннилиги тутди, кўзларидан нафратли учқунлар сачратди..* К. Яшин, Ҳамза. *-Нима дейсан, эски жиннилигим қўзиб турибди, менга тараф бўладиганлар борми? — деб нимагадир ишора қилди Мадамин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИННИ-МИННИ, жинни-пинни *қ.* **жинни 2**. *Ҳалиги муштумзўр йигит уни* [*Содиқни*] *бир туртди-да: -Юр-юр, итвачча, жинни-минни бўлдингми? — деб судрай бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жинни-пинни бўлдингми, рўпарамда турибсан-ку?!* [*дедим*]. «Муштум».

ЖИННИНАМО [жинни + ф. نما — кўриниш, намоён бўлиш] Телбанамо, телба табиат. *Жиннинамо чол.*

ЖИННИСАНҒИ Ножўя, аҳмоқона ишлар, келишмаган қилиқлар қилиб юрадиган. *Жиннисанғи одам.* ▬ *Худди жиннисанғилардай ўзи билан ўзи ғўнғир-ғўнғир гаплашади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЖИННИХОНА Ақлдан озганлар, телбалар шифохонаси. *Қотил жиннихонадан қочган ашаддий телба бўлиши керак.* «Фан ва турмуш». *Биров уни* [*раисни*] *ушлаб олиб, жиннихонага жўнатмайди, ҳеч ким масхаралаб кулмайди, эси паст демайди.* «Ёшлик».

ЖИНОИЙ [*а.* جنائی — гуноҳ, жиноятга алоқадор] *ҳуқ.* Жиноятга оид, жиноят билан боғланган, жиноят деб қараладиган, жиноятдан иборат бўлган. *Жиноий иш. Жиноий ҳаракат. Жиноий жавобгарлик.* ▬ *Фотима устидан жиноий иш қўзғатилди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Заҳар қўлга киргач, жиноий фикр ўсди, бутун юрагини, бутун борлиғини чирмаб олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жиноий қидирув.. ва тергов аппарати қайта ташкил этилиб, мустаҳкамланди.* Газетадан.

ЖИНОИЙ-ПРОЦЕССУАЛ *ҳуқ.* Жиноий ишларни судда кўришга оид. *Жиноий-процессуал кодекс.*

ЖИНОЯТ [*а.* جنایت — айб, гуноҳ; жиноий иш] **1** *ҳуқ.* Давлат қонунлари билан белгиланган тартибга хилоф ва шу қонунларга асосан жавобгарликка тортишни талаб қиладиган, жамоат учун хавфли хатти-ҳаракат. *Оғир жиноят. Амалдан фойдаланиб қилинган жиноят. Жиноят устида ушламоқ.* ▬ *Тергов тугаши учун эса жиноятга иқрор бўлиш керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бир марта жиноят қилган одам ўша жиноятини ёпиш учун яна ўн марта жиноят қилишдан ҳам қайтмас экан.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 *кўчма* Ёмон оқибатларга олиб борадиган зарарли хатти-ҳаракат, иш; гуноҳ. *Бас, сиз билан биз, Тожибой ака, бу ишга раҳбарлик қилиш ўрнига қўл силтар эканмиз, жиноят қилган бўламиз ва бунинг учун халқ олдида жавобгар бўламиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бундай ишни кечиктириш жиноят.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

ЖИНОЯТКОР [*а.+ ф.* جنایتکار — жиноят қилувчи, қилган] Айб, гуноҳ қилган киши. [*Майсара:*] *Бўлди ўйин ҳам. Вақт кетди, қани обчиқинг бу жиноятчкорларни! Ҳордиқ чиқсин.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *-Агар Ҳасан жиноятчкор бўлса, мен жиноятчкор бўла қолай, сизлар колхозни истаганларингча бузинглар, — деди Фотима.* С. Айний, Қуллар.

ЖИНОЯТКОРЛИК Жиноят билан шуғулланиш, жиноятчилик; айб, гуноҳ. *Улар жиноятчкорлик қилиб юрган вақтларида, одам ўлдиришда тажриба орттирганларнинг бу ишда қўллари титрамас ва юраклари ҳуркмасди.* С. Айний, Бухоро жаллодлари.

ЖИНОЯТКОРОНА *рвш.* Жиноий йўл билан, жиноятчкорларча. *Бундай жиноятчкорона бепарволик қилишимга нима сабаб бўлди? Ўзимнинг гўллигим, бефаҳмлигим сабаб бўлди* [*деди Абдусамадқори*]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ғўза ва бошқа чопиқ қилинадиган экинларни қўллатиб суғориш қатъиян тақиқланади. Чунки бундай қилиш сувни жиноятчкорона талон-торож қилишга сабаб бўлади.* Газетадан.

ЖИНОЯТЧИ *қ.* **жиноятчкор.** *Хавфли жиноятчи. Ҳарбий жиноятчи.* ▬ *Райондан келган терговчи уч кун овора бўлиб, жиноятчиларнинг изини тополмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Элмурод аччиқ истеҳ-*

зо билан кулди: -Гапини қаранг-а. Жиноятчига жазо талаб қилиш уят бўлар эмиш. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИНОЯТЧИЛИК Жамият учун хавфли хатти-ҳаракат. *Республика судлов органлари халқнинг хоҳиш-иродасини бажара бориб, жиноятчиликка қарши курашни кучайтирдилар.* Газетадан.

ЖИНС [*а.* جنس – тур; хил, нав; қабила, миллат] **1** *биол.* Жонли организмларнинг биологик ва жисмоний хусусиятларига кўра икки (эркак ва урғочи) туридан бири. *Эркак жинси. Хотин жинси.* ▬ *Ўзаро қарама-қарши икки жинс дунёда тирикликни давом эттиради.* Т. Қаипбергенов, Қорақалпоқнома. *Бўлажак фарзанд жинсининг ўғил ёки қиз бўлиши отадаги уруғ ҳужайраси таркибида бўладиган икки хил хромосомага боғлиқ.* Газетадан.

2 Тур, нав, хил. *Лириканинг ўзига хос адабий жинс сифатидаги табиати унинг жанр қиёфасида ҳам акс этади.* «ЎТА». *Барон фон Ринг, албатта, эшак эмас, балки орий жинсдан бўлган бир зот.* А. Қаҳҳор, Барон фон Ринг.

3 Ижтимоий гуруҳ, табақа. *Жинсига тортмоқ.* ▬ *-Ота, бу синглим,– табассум билан деди Йўлчи. – Бойникида яшашини маъқул кўрмадим. -Яхши қилибсан: Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс.. Тўғри, улар қариндошинг. Лекин улар сени ўз жинсига қўшмайди. Улар пул жинсидан.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *геол.* Ер қобиғининг маълум қатламини ҳосил қилган минерал. *Қоя остидаги тоғ жинслари минг йиллар давомида эсган шамол таъсирида силлиқланиб, ғор шаклида ўйилган эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Нуротадан Томдибулоққача чўзилган тоғлардаги тоғ жинсларини ўрганиб, у жойларнинг геологик харитасини тузди.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

ЖИНСДОШ 1 Бир биологик жинсга мансуб бўлган, жинси бир. *Онам зотан хотин, ёрим ҳам хотин, Синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош.* F. Fулом.

2 Бир ижтимоий гуруҳга, табақага мансуб бўлган; зоти бир. *Сен ҳали ҳам ўз чўрилигингни эсингдан чиқармаган, ҳали ҳам менинг молимни ўз жинсдошларинг бўлган батрак-қулларни семиртириш йўлида исроф қилар экансан.* С. Айний, Қуллар.

ЖИНСИ [*ингл.* jeans – бир турли шим < jean – қалин ип газлама] Қалин ип газламадан тикилган иш кийими тури (асосан шим ҳақида). *-Бош бошқармага телефон қилинсин, – деди жинси шим кийиб олган робот.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Магазинга келган импорт – сўнгги модадаги жинси шимдан шу магазин мудирининг ўғли Тойлоқжон қуруқ қолди.* Газетадан.

ЖИНСИЙ Биологик жинсга, жинс масалаларига оид. *Жинсий белгилар. Жинсий айирмалар. Жинсий тарбия.*

ЖИНЧИРОҚ Пахта пилиги билан ёнувчи шишасиз чироқ; қорачироқ. *Уйидаги нарсаларни ғира-шира айиришга имкон берувчи «жинчироқ» ҳам энди кўринмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖИНҚАРЧА *шв.* **1** Читтак.

2 *кўчма* Тирранча, тирмизак. *Шунча ёшга кириб, шунча йил эл бошида туриб обрў орттирган Умарни жинқарчалар отдан ағдариб ташлагани яхшими?* И. Раҳим, Ихлос. *Бай-бай-бай.. ўзи жинқарча бўлсаям, шунақа заҳар қизки, худди Зулайҳо опангизга ўхшайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖИНҒИЛ *шв.* **1** Юлғун. *Моҳандарё водийсида юлғун, жинғил, янтоқ, қизилмия, ажриқ ўсади.* П. Fуломов, Зарафшон этакларида.

2 Юлғундан қилинган. *Чол эшик олдида суёғлиқ турган жинғил таёғини олди-да, Тўрткўзни эргаштириб, қоронғиликка кириб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЖИНҒИРЛАМОҚ Қўнғироқ товуши чиқармоқ. *Соат жинғирлади. Телефон жинғирлади.*

ЖИНҒИРОҚ *қ.* **қўнғироқ.** *Шу кеч паллада кўча эшикнинг жинғироғи жиринглаб қолди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЖИПС *рвш.* **1** Орасида жой, тирқиш бўлмаган, тирқишсиз, зич. *Жипс ёпилмай турган эшикларнинг икки қаноти орасидан совуқ қорнинг заҳарли изғирини кириб, уйларнинг токчаларини айланмоққа, унинг совуқ «ҳув-ҳув»лари шип ораларидан эшитилмоққа бошлади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Бир жон, бир тан бўлиб бирлашган, бирдам. *Тинчлик учун курашувчиларнинг жипс сафи ўсмоқда. Жамоа билан жипс боғланмоқ.*

3 *кўчма* Яқин, яқинлашиб; ёнма-ён. *Жўра бобонинг тўриғи улоққа жипсроқ чопди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бўз от жийрон-*

қашқа билан жипс келган заҳоти Бобур бўй чўзиб, нариги отнинг эгаридан икки қўллаб ушлади-ю, бор кучи билан эгардан эгарга сакради. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЖИПСЛАМОҚ Орасида жой, тирқиш қолдирмай тақамоқ, зичламоқ. *Пол тахталарини жипсламоқ.* ▬ *Иккаласи икки ходани бир-бирига жипслаб, сим билан маҳкам боғлади, сувга ташлаб, устига миниб олишди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЖИПСЛАШМОҚ 1 Жипсламоқ фл. ўзл. н. *Чолнинг юзида табассум пайдо бўлди, қовоқ усти, кўз ости ажинлари жипслашди.* Ойдин, Олтин узукка олмос куз.

2 *кўчма* Бирлашмоқ, аҳил бўлмоқ. *Икки йил ичида бўлим коллективи уюшиб, жипслашди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЖИПСЛИК 1 Зичлик, бир-бирига яқинлик. *Тахталарнинг жипслиги.*

2 *кўчма* Ўзаро яқинлик, аҳиллик, бирдамлик. *Бу йилги шароит бошқачароқ, ниҳоятда жипслигимизни, мустаҳкам дўстлигимизни, ҳамжиҳатлигимизни тақозо этади.* Газетадан.

ЖИР I [*р.* жир – мой; ёғли, мойли нарса, овқат] *с. т.* Мой, ёғ. ▬ *-Етмиш икки ҳунаринг бор, лекин хумчангда беш пайса жиринг йўқ! – деб Мирвали банги бир кун Бердибойни койиган эди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Жир битмоқ 1) семирмоқ, эт, ёғ битмоқ. *Қўйга ҳеч жир битмаётир.* ▬ *Сидиқжон қайнанасидан бу хилдаги таъналарни кўп эшитган, лекин сира гап қайтармаган эди, бу сафар заҳарханда қилиб: -Ўзи тўймаганнинг салқити қорин оғритади, онажон, сиздан ортди-ю бизга жир битдими! – деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) *кўчма* бойимоқ, давлати ортмоқ. *Энди жир битдида! Битта кўйлак иккита бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Жири бор** Қўр-қути бор, давлатманд. *Жири бор оилаларнинг болаларига мактаб ҳам, мадраса ҳам ярашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖИР II *шв.* Қўшиқ. *Ўтовлардан чўпонларнинг ўланлари, оқинларнинг жирлари янграб, узоқ-узоқларга акс садо беради.* Газетадан. *Ўзим каби қовуни бол ўша пир, Ўша ёшлик алангам, Ўша қўшиқ, ўша жиров, ўша жир, Ўша жаҳон шўх янгам.* Миртемир.

ЖИР III *шв.* Жанжал.

ЖИРАФА [*фр.* giraffe <*а.* زرافه] Тропик мамлакатларда яшайдиган узун бўйинли ўтхўр ҳайвон. *Африка бутазорларида ҳайвон овловчилар бир куни битта жирафа тутиб, қафасга солишди.* «Фан ва турмуш».

ЖИРИЛЛАМОҚ Аламига чидай олмай гапирмоқ; гап, танқид ва ш. к. ни кўтара олмай қизишмоқ. *Камчиликларингизни кўрсатса, нега жириллайсиз?* ▬ *Бирданига қирқ етти боғ ютқизган Ниёзмат ҳожи жириллаб, яна тўқсон тўрт боғ тикди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *-Тўрт йил остонангизда ишладим, энди ҳақ десам, нега жириллайсиз? – деди Жониш Сотволди бойга.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЖИРИНГ *тақл.с.* Металл, чинни, шиша буюмларнинг урилишидан чиқадиган нозик товуш ҳақида. *Телефон жиринг этди.* ▬ *Пулга ўч у [Самандаров], ёнингизда танга жиринг этса, «лаббай, гапирдингизми?» деб турадиган одам.* А. Мухтор, Туғилиш.

Мулла жиринг *ёки* **жиринг чақа** Пул, танга-чақа. *-Ҳукуматчилик,– деб ҳамсуҳбатларига тасалли берди Махсум, – менга ўхшаш, сенга ўхшаш мойжувози борлар солиқ тўламай қўйса, давлатнинг ҳамёнига мулла жиринг қаёқдан тушади?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИРИНГЛАМОҚ Металл овози каби бўғиқроқ товуш чиқармоқ. *Телефон жиринглади. Маҳмуд Ҳайдарович трубкани олди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Телефон жиринглаб, Муродованинг хаёлини бузди.* И. Раҳим, Ихлос.

ЖИРИШ *шв.* Чала эланган, серкепак ун ва шундан тайёрланган нон. *Махсум жириш нондан бир чимдим оғзига ташлаб, ташқарига чиқди.* В. Ғофуров, Вафодор.

ЖИРКАНМОҚ Ҳазар қилмоқ, ирганмоқ. *Ҳайдаров суҳбатдошига бирдан жирканиб қараб қўйди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Пошшахон шаҳарлик бойвучча аёл бўлиб, ўз қариндошларидан жирканар, берироқ юришни ёқтирарди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЖИРКАНУВЧАН Ҳар нарсадан жирканаверадиган, ҳар нарсани кўнгли тортавермайдиган, кўнгли нозик; ҳазарчи. *Жирканувчан одам.*

ЖИРКАНЧ 1 Одам ҳазар қиладиган, жирканадиган; кишини жиркантирадиган; ифлос. *Жирканч манзара.* ▬ *Ёқимсиз, жирканч кулги Аҳмаднинг хаёлини бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *кўчма* Разил, қабиҳ. *Соф нарсага қўл бериш учун жирканч нарсага ҳам қўл уришга тўғри келар экан.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЖИРЛАМОҚ *шв.* Қўшиқ айтмоқ, куйламоқ.

[Бировнинг] жирини жирламоқ Бошқаларнинг фикр-ғояларини тарғиб қилмоқ.

ЖИРОВ *шв.* Достон, терма айтиб куйловчи бахши (ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ халқларида). *Қозоқлар орасида бахшилар, жировлар.. элни оралаб тентираб юриб, тирикчилик ўтказадилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Жамбул шоирлар жирови, оқсоқол, Тилларга бол бердинг, элларга ҳам мақол.* М. Шайхзода.

ЖИРОНҒОР *эск. ҳарб.* Қўшиннинг сўл қаноти, сўл фланг. *Амир Бадриддин ўз жиронғори билан душманнинг жиронғори устига дадил ёпирилди.* Ойбек, Навоий.

ЖИРРАКИ *қ.* **жиззаки.** *У ўлгур жирраки экан, эрим раҳматликни бошига калладай тош билан уриб ўлдирибди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ЖИРРАКИЛИК *қ.* **жиззакилик**. *Дилшод ўзини хокисорликка солмади, шунингдек, жирракилик ҳам қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖИРТАК: **жиртак отмоқ** (*ёки* **чалмоқ**) 1) гап-сўз қилмоқ; майна қилмоқ. *Мен ҳам юра берсам, тирикчилигимни қила берсам, биров жиртак чаладими?* А. Мухтор, Туғилиш; 2) ичиқоралик қилмоқ. *Лекин Камол қози жиртак отиб, оёқ тираб туриб олди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЖИРТАКИ *қ.* **жиззаки**. *Зокиржон ҳаддан ташқари жиртаки, асабий бўлиб қолганди.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

ЖИРТАКИЛИК *қ.* **жиззакилик**. *Аҳмад ўз ҳиссиётларини жиловлаб туролмади, жиртакилик қилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. [*Жалол*] *Мамаюсуфнинг жиртакилигини кўрабила туриб, бир тепди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЖИРТИЛЛАМОҚ *с.т.* Жирилламоқ.

ЖИСМ [*а.* جسم – тана, организм; модда] **1** *физ.* Маълум жойни эгаллаб, ишғол қилиб турган материя, модда. *Қаттиқ жисмлар.* ▬ *Алломалар ҳандасаю риёзиёт ва ёки шифо илмида эмас, оддий бир жисмдан ҳам ҳикмат топардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Товуш турли жисмларнинг тебраниши жараёнида вужудга келади.* «Фан ва турмуш».

2 *мат.* Фазонинг ҳамма томондан берк сирт билан ўралган бир қисми. *Геометрик жисмлар.*

3 Тан, тана; вужуд. [*Навоий*:] *Эшит, Мансур!* [*Мансур*:] *Бутун жисмим қулоқдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Жасорат тимсоли Икардир абад, Жисми гар ўтларда кетгандир ёниб.* А. Орипов.

Исми бор-у, жисми йўқ *қ.* **исм. Исми жисмига мос** (*ёки* **монанд, муносиб, ярашган**) Исмига, номига, унвонига мос. *Бригада аъзоларидан яна бири исми жисмига монанд Барно Ҳожиевадир.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

ЖИСМАН *рвш.* Жисмоний жиҳатдан, жисмоний. *У* [*Камолиддин*] *ҳикоя асноси ортиқ ҳаяжонлангани учун руҳан ва жисман чарчаган эди.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Ғафур Ғулом орамизда жисман йўқ.* Газетадан.

ЖИСМОНАН *қ.* **жисман.** *Жазо отрядининг сўнгги вазифаси – муддаоси руҳан енгилмаган барча исёнкорларни жисмонан маҳв этиб, шу майдонда қириб ташлаш эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мамлакатимизда бахтиёр авлод болаларининг ҳар томонлама ривожланиши учун, хусусан ҳам жисмонан, ҳам маънавий камолотга етишиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.* «Фан ва турмуш».

ЖИСМОНИЙ Жонли организмларнинг жисмига оид; мускул ҳаракатлари билан боғланган; жисмонан. *Жисмоний тарбия.* ▬ *Кўринишдан Тўлқинжон Сирождан жисмоний кучлироқ эди.* Ф. Мусажон, Ҳури.

Жисмоний меҳнат *қ.* **меҳнат 1**. [*Аваз*] *Жисмоний меҳнатдан йироқроқ юрганигами, бугун зўриқиб қолган эди.* С. Сиёев, Аваз. **Жисмоний тарбия** Организмни ҳар томонлама чиниқтиришга қаратилган, соғлиқни мустаҳкамлашни назарда тутган тарбия, жисмоний машқлар. *Жисмоний тарбия ўз даврига нисбатан анча юқори босқичда турган Юнонистонда яланг оёқ юриш кенг расм бўлган.* «Фан ва турмуш».

ЖИЧЧА *шв.* Жиндек, озгина. *Ўртоқ Рўзиев, жиччагина илтимосимиз бор эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. [*Зеби*:] *Қандай сиғар шунча шодлик Бирдан жичча дилимга?* Т. Тўла.

ЖИШ I *бол. айн.* **гўшт**.

ЖИШ II Қушларнинг ҳали пат чиқармаган боласи.

ЖИЯК 1 Дўппи, тўн ва ш. к. нинг четига тутиладиган махсус энсиз тасма. *Қўлда тўқилган жияк.* ▬ *Унинг узундан-узун оппоқ соқоли, ёқаси очиқ оппоқ яктаги, дўпписининг оппоқ жияклари, офтобда қорайган кенг кўкраги — ҳаммаси чангга ботган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *У* [*Болта аравакаш*] *дўпписининг жиягини қайтариб, шоҳи белбоғ билан боғлаб олган.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Бирор нарсанинг гир атрофи, чети. *Мурод унинг жияклари қизарган кўзларига термилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Жиякларида бойчечаклар ўсиб ётган нам сўқмоқдан оқ отли йўловчи жадал кетяпти.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли.

ЖИЯКФУРУШ Жияк сотувчи. *-Карим полвоннинг ўғлиданам беш ойдан бери* [*хат*] *келмаётганмиш,— гапга аралашди Иқбол сатанг, — ануви паст кўчадаги Султонхон бор эди-ю, биласиз, жиякфуруш, ўшанинг ўғли ярадор бўлган экан, отпускага келибди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЖИЯН 1 Ака-укаларнинг, опа-сингилларнинг фарзанди (тоғага, амакига, холага, аммага нисбатан). *Фотима Элмуродга синфдош бир аёлнинг жияни бўлиб, аммасининг олдига бот-бот келиб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Зокиржон жияни қуйиб берган чойни кичик-кичик ҳўплаб ичди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

2 Ўзидан кичик яқин кишиларга мурожаат шакли. *-Чаққон жўнайлик, жиянлар, — деди Олимов.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЖИҚ Бутунлай, батамом; жуда кўп. *Этигим жиқ ҳўл бўлди.* ▬ *Адолат бошини кўтарди. Унинг жиқ ёшга тўлган кўзларида ҳам қўрқув, ҳам ёлвориш бор эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЖИҚ-ЖИҚ 1 *айн.* **жиқ.** *Сабогулнинг жиқ-жиқ ёш тўла кўзлари алам ичида Шералига меҳр билан боқди-ю, ерга қадалди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Кучли, шиддатли. *Қоронғида ҳужранинг у бошидан бу бошига судралиб, жиқ-жиқ солишаётган Жаниш жуда кучдан кетди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЖИҚИЛЛАШМОҚ 1 Қаттиқ айтишмоқ; тортишмоқ, жанжаллашмоқ. *[Юсуп Комилга:] Гап тамом. Сен билан кўп жиқиллашиб ўтиришга фурсат йўқ.* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим.

ЖИҚҚА *қ.* **жиқ**. *Жиққа ҳўл ўтин.* ▬ *Чароснинг кўйлаги дарров жиққа сув бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йигиталининг бутун вужудини жиққа тер босган, ҳолсизликдан гандираклаб, қалин буталар орасидан кетаётганини биларди, холос.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Оппоқ қизнинг кўкиш кўзлари жиққа ёшга тўлди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бечоранинг [Назокатнинг] кўзлари жиққа-жиққа ёш, эҳтимол, турмушида бирор бахтсизлик учрагандир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЖИҚҚАМУШ(Т): **жиққамуш(т) бўлмоқ** Қаттиқ муштлашмоқ, уришмоқ. *Ерли-сувли, пулдор одам вафот қилса, унинг ворисларини бир-бири билан жиққамушт қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖИҒ I: **жиғига тегмоқ** Тегишиб ёки бирор ёқмайдиган иш, гап билан жаҳлини чиқармоқ, ғашини келтирмоқ. *Баъзан Анорхоннинг жиғига тегиш учун йигитни улар ўзаро «Собир почча» дейишар эди.* Ойбек. О.в.шабадалар. *Бошқа овоз раиснинг жиғига қаттиқроқ тегди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. **Жиғини эзмоқ** Уриб абжағини чиқармоқ. [*Марасул*:] *Ҳа, ўша сени.. (урмоқчи бўлади). Жиғингни эзаман!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ЖИҒ II *тақл. с.* Қайнай деб турган самовар, қумғон ва ш. к. дан чиқадиган товуш ҳақида. *Самовар жиғ этди-қайнади.*

Юраги жиғ этди Юраги жиғиллади, юраги шув этди, юраги орқасига тортиб кетди. *Сидиқжоннинг юраги жиғ этиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖИҒА 1 *этн.* Бош кийимига тақиладиган, укпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми. *Тилла жиға ярашади бошига, Олиб келдик чарлаб зўрнинг қошига.* «Эрали ва Шерали». *Куёв узун ва кенг зарбоф тўн кийиб, катта салласига кўркам олтин жиға қўндириб, ҳавони титратган карнайлар, сурнайлар садоси билан ўзиникига кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма айн.* **тож.** *Узоқдаги Чотқол қуёшдан Олтин жиға тақмиш бошига.* С. Акбарий.

ЖИҒАВУЛ *шв. қ.* **жиғовул.**

ЖИҒАДОР 1 Жиға таққан, жиғали. *Бошида жиғадор бўрк, кимхоб чопонини елкага ташлаган амирзода Иброҳим Султон кириб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *тар.* Ўрта Осиё хонликларида: жиғаларни сақловчи киши. *Оқсоқол, акобир, амалдор, туғдор, жиғадор йиғилиб, бўлак кишини хон кўтарди.* «Муродхон».

ЖИҒИБИЙРОН: **жиғибийрон бўлмоқ** Куйиб-пишмоқ, ўртанмоқ; тутақиб кетмоқ. *-Худо кўрсатмасин, қамаб қўйсалар яхшими? — жиғибийрон бўлиб деди она.* Ойбек, Нур қидириб. *Фотима опа эри берган пулнинг чўғини кўриб, жиғибийрон бўлди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. **Жиғибийрони чиқмоқ** *айн.* **жиғибийрон бўлмоқ.** *Жиғибийрони чиқиб кетган Аҳмад ноқулай аҳволга тушиб қолди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЖИҒИЛДОН 1 Қушларнинг қизилўнгачидаги овқат тўпланадиган ва юмшатадиган буқоқсимон кенг жой. *Хўрозчанинг жиғилдони муштдай шишиб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Томоқ, қурсоқ (нафс ҳақида). *Жиғилдон хуруж қилган ерда виждонга йўл йўқ.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Ундан ҳазар қилинг: жиғилдонига Улар ўз онасин алишган инсон.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Жиғилдон бандаси (*ёки* **овораси)** Томоқ, нафс овораси; очкўз, ебтўймас. *Фармонқул кўп бамаъни эди-ю, икки-учта жиғилдон оворалари уни йўлдан уришди-да.* С. Маҳкамов, Шогирд. **Жиғилдон қайнаши** Баъзи ошқозон-ичак касалликлари натижасида меъданинг қайнаб ачишуви. *Хамир овқат есам, жиғилдоним қайнайди.* **Жиғилдонга урмоқ** *ёки* **жиғилдондан ўтказмоқ** Емоқ, еб юбормоқ, томоқдан ўтказмоқ; бировнинг ҳақини йўқ қилиб, ҳазм қилиб юбормоқ. *-Қиз бўйга етгандан кейин Мамасаид «тайёр ошга баковул» бўлди. Қалинини енг учида олиб, жиғилдонга урди-да, қизни узатди, — деди Давлатёр.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИҒИЛЛАМОҚ 1 «Жиғ» этган товуш чақирмоқ. *Самовар жиғиллади. Аваз ўтхонага ёғоч қошиқдай иккита саксовул ташлаб, ичкари кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Куйиб-пишиб гапирмоқ, жон куйдирмоқ. *[Ғуломжон] Ўзининг ҳали-ҳали уйланмаганини.. бошингни иккита қилиб қўйсак, деб жиғиллаб ўтаётган ота-онасини бахтиёр қилиши мумкинлигини ўйлаб ачинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Юраги жиғиллади Юраги шув этди, юраги орқасига тортиб кетди. *Қодир.. ўрнидан туриб, соатига қаради. Соат тўрт. Юраги жиғиллаб кетди. Бир жойга бориб, сира бундай кеч келган эмас эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ЖИҒИЛЛАШМОҚ Қизишмоқ, айтишиб олмоқ. *Бугун радиодан берилган пьеса ҳақида гап кетиб, Саодат билан Собиржон бир оз жиғиллашиб олишди.* Т. Мақсудов, Муҳаббат қўшиғи.

ЖИҒОВУЛ *фольк.* Ов қушининг бўйин боғи. *Қарчиғай бўйнига тақдим жиғовул, Хизматимда саф ҳудайчи, шиғовул.* «Хушкелди».

ЖИҒОЛТОЙ Йиртқич қушларнинг лочинсимонлар оиласига мансуб бир тури.

ЖИҲАТ [*а.* جهت — томон, тараф; йўналиш] **1** Тараф, томон. *Майдон икки таноб кенгликда бўлиб, жануби қутидор ва қўшнисининг иморатлари.. ва бошқа уч жиҳати ҳам шунга ўхшаш бинолардан иборат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Саҳннинг тун ва кун ботар жиҳатлари кичкина ҳужралар билан ўралган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Бирор иш, масала ва ш.к. нинг таркибий қисми, ўзига хос хусусияти, томони. [*Фотима*] *Ўзига кимларнинг кўнгил қўйганини билар ва муомалада бу жиҳатни ҳисобга олар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эътиборхон Охунова табиат мафтуни, уни жондан севади. Унинг нозик, ранг-баранг жиҳатларини чуқур ҳис этади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ЖИҲАТДАН *рўм.* Тарафдан, томондан, тарафлама. *Шу даврада уни ҳам, ўзини ҳам ҳар жиҳатдан текшириб кўрди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Турсунхон кўп жиҳатдан ўз эшига, бизнинг суюкли шоирамиз Зулфия хонимга яқин.* Миртемир, Дўстлар даврасида.

ЖИҲОД [*а.* جهاد — ҳаракат қилиш; кураш, олишув] *дин.* Мусулмонларнинг Ислом динининг тарқалиши йўлидаги ғовларни бартараф этиш, уни ҳар тарафлама муҳофаза қилиш йўлида ғайридинларга қарши муқаддас уруши; ғазавот. *У* [*Дилшод*] *варақани оддий ҳаяжон билан эмас, курашга, қўзғалишга, жиҳодга чақирувчи хитоб билан, майдон мардининг ҳайқириғи билан тугаллади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖИҲОЗ [*а.* جهاز — барча зарур нарсалар; асбоб-анжом] **1** Ишлаб чиқариш қуроллари, асбоб-ускуна. *Лаборатория жиҳозлари. Корхона жиҳозлари.*

2 Асбоб-анжом, уй-рўзғор асбоблари, буюмлари. *Пошша хола бехосдан хаёлига ке-*

либ қолган бу фикрдан ўзини чалғитиш учун уй файзига, унинг жиҳозларига тасаннолар ўқиб кетди. Д. Нурий. Осмон устуни. *Уй жиҳозга ғоятда бой, гўё музахона тусини берар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖИҲОЗЛАМОҚ 1 Асбоб-ускуна, ишлаб чиқариш қуроллари билан таъминламоқ, ускуналамоқ. *Бош конвейер хилма-хил махсус пневматик ва электр асбоблари билан жиҳозланган.* «Фан ва турмуш». *Жонкуярлар янги цехни асосан ўзлари ясаган технология ускуналари билан жиҳозладилар.* Газетадан.

2 *кўчма* Безамоқ, ясантирмоқ. *Шинам хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланган.* Газетадан.

«Ж»ЛОВЧИЛАР *тлш.* Ўзбек тилининг «й» ўрнида «ж» ишлатувчи лаҳжасига мансуб ўзбеклар.

ЖО [*ф.* جای – макон, манзил]: **жо бўлмоқ** Жойлашмоқ, мустаҳкам ўрнашмоқ; сиғмоқ. *Ҳамма кийимлар бир чамадонга жо бўлди.* ▬ [*Самар Лайлога:*] *Сизнинг қўшиғингиз қалбимга жо бўлиб қолди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Ойқиз қалбига жо бўлган фикрларнинг ҳаммасини бирма-бир айтди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. **Жо қилмоқ** Жойламоқ, жойлаштирмоқ; мустаҳкам ўрнаштирмоқ. *Эъзозхон шу сўзларни дилига жо қилиб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тунлар сени кипригимда тутайми, Кўзгинамнинг қорасига қилай жо?* Э. Воҳидов, Самарқанд кечаси.

ЖОБАЖО [*ф.* جابجا – жой-жойига]: **жобажо бўлмоқ** Жой-жойига, тартибга тушмоқ, жой-жойига келмоқ, саранжом-саришта бўлмоқ. *Ҳамма нарса жобажо бўлди.* **Жобажо қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Жой-жойига, тартибга келтирмоқ, саранжом-саришта қилмоқ. *Ҳалолу дилкаш эрур боғбону деҳқони, Ҳар ишни қойил этар жобажо, омон бўлсин.* Ҳабибий. *Бир давронки, орзулари жобажо, Лаҳзасига йиллар этар жон фидо.* Миртемир.

ЖОБИР [*а.* جابر – жабр-зулм ўтказувчи] *эск.* Жабр қилувчи. *Тарих кўп йил таҳқир битар Чингиз каби жобирга.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ЖОВДИРАМОҚ *қ.* **жавдирамоқ**. *Хонага ранги оқарган трамвай ҳайдовчи қиз уялинқираб кирди-да, жовдираб, капитанга қаради.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЖОВЛИК 1 *шв. рвш.* Ёппасига, ялписига, ҳаммаси бараварига. *Оломон қиличини ялангоч қилди. Саккиз юзи бирдан жовлик от қўйди.* «Очилдов».

2 Батамом, тамомила, бутунлай. *Жамбил сенга, жовлик ўзингга қолди.* «Равшан».

ЖОВИДОН [*ф.* جاویدان – абадий, доимий] *эск.* Абадий, мангу. *Ўз умрини қилганди у шеъри билан жовидон.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ЖОВОН *қ.* **жавон**. *Саройда, девор ёнида, тош ойнали жовон ичида қимматбаҳо биллур ва чинни идиш-товоқлар турибди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЖОДИ Беда, пичан, хашак қирқадиган дастаки асбоб. *Бола.. супурар, ахлат ташир, кечқурун қароллар даладан келганларида, отларга жодида беда қирқишар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бизда пичан жодида кесилади, ун сув тегирмонида тортилади.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

ЖОДУ [*ф.* جادو– афсун, сеҳр; афсунгар, сеҳрловчи] **1** Сеҳргар, афсунгар. *Бандга тушган бу кўнгилдир, Менда айтинг, не гуноҳ, Дил қушига дом қўйган Ул икки жоду-да айб.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

2 Мўъжизалар вужудга келтирувчи ҳаракат; дуо. *Ўғлингизнинг бу иши бежиз эмас. Марғилонлик сеҳр қилдими, жоду қилдими, ҳайтовур, сиз шу йўсинда юра берсангиз, эрта-индин ўғилдан ажраласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Жоду кўзлар Мафтун қилувчи, сеҳрловчи кўзлар. *Кийгани гулгун, қирмизи, Ақлим олар жоду кўзи.* «Муродхон». *Бир жоду кўз кўрдим, чалғитар ҳаммани.* Х. Салоҳ.

ЖОДУГАР [*ф.* جادوگر – сеҳргар, афсунгар] **1** Сеҳр қилувчи; сеҳргар, афсунгар. *Нима бало, жодугармисиз, ота? Бизнинг ичимиздаги гапларни қаёқдан биласиза?* [*деди Муса*] П. Турсун, Ўқитувчи. *Зоти олийни ул бухоролик жодугарнинг фусунларидан қутқариб олмоқ керак.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 *кўчма* Ўтакетган айёр, маккор, ҳийлагар. *Матқовул жодугар турмушга ташлаган биринчи қадамидаёқ қулоғидан қарзга ботди-ю, шу-шу ўнгланолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир ҳовуч пул учун ақлдан озиб, Бутун дунёни ҳам ёқишга тайёр. Бу, ўша, абжағи чиққан жаҳонгир, Бу, ўша, ўлимтик, жодугар, айёр.* Уйғун, Ҳаёт чақиради.

ЖОДУГАРЛИК Сеҳр қилишлик, афсунгарлик. *Афсунгарлик ҳодисалари ҳукм сурган*

даврлар давомида эса жодугарлик ва жодугарликка ишонч юзага келган. «ЎТА».

ЖОЗИБ [*а.* جاذب – ўзига тортувчи, мафтун қилувчи] *эск.* Ўзига жалб этувчи, ўзига тортувчи. *Қай дил чамани бой, жозиб нафаси.* Зулфия. *Бунча жозиб, мунча соҳир, Якто бўлдинг, Кўҳинор?* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ЖОЗИБА [*а.* جاذبه – ёқимлилик, дилбарлик, малоҳат] **1** *эск.* Тортиш (тортишиш) кучи, тортувчи куч; тортиш кучи. *Инсонликнинг маъноси ўзгарди Оламнинг жозиба қонуни янглиғ.* А. Мухтор.

Ер жозибаси *эск.* Ернинг тортиш кучи.

2 *кўчма* Ўзига тортувчи жиҳат, дилбарлик, малоҳат. *Унинг учишида, ўйинида кишини мафтун этувчи жозиба, ажойиб санъат бор эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Унда [Ҳ. Олимжонда] сеҳрли бир жозиба ва салобат бор эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЖОЗИБАДОР [*а.+ ф.* جاذبه‌دار – жозибага эга, мафтун этувчи] Ўзига тортувчи, мафтун қилувчи, жозибали; ажойиб. *Жозибадор мусиқа.* ■ *Холжонбиканинг.. ҳусни Ёқутбиканикича бўлмаса ҳам, истараси иссиқ, юзидаги холи тим қора, кўзи жозибадор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *У [Алимардон] кўп қизларни кўрган, аммо бунақа жозибадор қизни учратмаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖОЗИБАДОРЛИК Ўзига мафтун этишлик, ўзига жалб этишлик. *Уйғур ва Етим Бобожоновлар иштирок этган спектакллар, яратган образлар ўз жозибадорлиги билан, хилма-хил ва такрорланмаслиги билан ажралиб туради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖОЗИБАЛИ *айн.* **жозибадор.** *Жозибали шеърлар. Жозибали куйлар.* ■ *Комила келишган, кўзлари жозибали, ақлли, латофатли, шўх эди.* Ойбек, Нур қидириб.

ЖОИЗ [*а.* جائز – рухсат берилган, мумкин] Рухсат этилган, ижозат берилган, йўл қўйилиши мумкин бўлган. *Демак, бундай ҳолларда архаик сўзларни ишлатиш жоиздир.* «ЎТА». *Илмни Чин-Мочинга бориб ўргансанг ҳам жоиздир, деганлар расули худо.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Агар таъбир жоиз бўлса Агар мумкин бўлса. *Агар таъбир жоиз бўлса, Абдулҳақ Абдуллаевни замонамиз Беҳзоди дейиш мумкин.* «Шарқ юлдузи».

ЖОЙ I [*ф.* جای – макон, манзил] **1** Бирор кимса ёки нарса ишғол қилиб турган ер, юза, фазо; ўрин, макон. *Золимнинг жойи – жаҳаннам.* Мақол. ■ *Бозор куни бўлганига қарамай, бозор жойи бутунлай бўш эди.* С. Айний, Қуллар. *Милтиғини жойига қўйдию.. китоб мутолаа қилиб ўтирган Элмурод олдига келди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Отабек раҳмат айтиб, жойидан қўзғалмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Маълум бир воқеа-ҳодиса рўй берган ер; иш-ҳаракат, жараён ўрни. *Хизмат жойи. Автобус тўхтайдиган жой.* ■ *Сидиқжон болалиги ўтган.. тор кўчаларни, қишлоқ, анҳор бўйларини, сигир боққан жойларини бориб кўрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Маълум бир нарса ёки иш-ҳаракат учун энг қулай, мос ер, ўрин. *Мутахассисларни танлаш ва жой-жойига қўйиш. Оғриқ жойини топса, олти ой қишлайди.* Мақол. ■ *Бу ер ҳазилнинг жойи эмас.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

4 Ер юзининг, фазонинг белгили, бирор хусусияти билан ажралиб турадиган ери, нуқтаси. *Пастқам жой. Баҳаво жой. Паст-баланд жойлар. Тор жойда томоша.* Мақол. ■ *Эрта куз жаласи тоғлик жойларга жуда ҳафсала билан қуяр эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Сўқмоқ катта йўлга туташган жойдан бепоён дала бошланар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу жойдан бойнинг бутун пахта даласи кўзга ташланиб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Географик ёки маъмурий ҳудуд; тараф, томон, ўлка; юрт. *Бизнинг жойларда анор кўп.* ■ *Йўқ, у [Элмурод] бу жойларни тушида ҳам, ўнгида ҳам кўрган эмас.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу жойни халқ қадим замонлардан бери Култепа деб атар эди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

6 Бирор нарсанинг айрим қисми, ери, бўлаги. *Гўштнинг ёғли жойи. Косанинг дарз кетган жойи. Ипнинг тугилган жойи.* ■ *Бирор жойинг оғрийдими, Кумуш?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Бадиий асар, мусиқа ва ш. к. нинг бирор керакли, қизиқарли ери, ўрни. *Абдишукур.. бойваччанинг қўлидан китобни.. олиб, керакли жойини топди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзан севган қизларидан келган хатнинг қалбга бориб теккан жойларини бирбирларига ўқиб берардилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

8 Гап, иш, хатти-ҳаракат ёки белгиларнинг шахсий баҳо бериш учун асос, дастак бўладиган ери, ўрни. *Бу ишнинг ҳеч қийин жойи йўқ. Менинг қўрқадиган жойим йўқ.* ▬ *Мен сизга айтсам, қиёматли ўртоқмизу, мендан хафа бўлган жойи бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

9 Яшаш, ҳаёт кечириш, ётиш-туриш учун хизмат қиладиган ер; уй-жой, ҳовли-жой, бошпана. *Жой олма, қўшни ол.* Мақол. ▬ *Йўлчи бизникига ишлагани келган, ишласин. Пули йўқ, жойи йўқ.. хотинни нима қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

10 Ўтириш ёки ётиш учун қилинган, солинган, тўшалган ўрин; ўриндиқ. *Вагонда бешта бўш жой қолди. Бугунги сеансларга жой йўқ.* ▬ *Ҳожимирсирож автобусда жой талашиб, болали бир хотин билан айтишиб қолди.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Холида кичик қизи Раънони уйга ётқизиб, эрига жой солгани айвонга чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

11 Мерос сифатида қолган, бирор кимсага тегишли ер-мулк, ҳовли-жой. *«Ракат» мавзеида отадан қолган уч таноб жой бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана шу жойлар бурун Абдуваққос деган бир эшонга қарашли экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

12 Иш, хизмат, вазифа, ўрин. *У яхши жойда ишлайди.* ▬ *Жонфиғон.. хотинига неча-неча тавба-тазаррулар қилиб, энди бирон жойга кириб ишлашга.. сўз берибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

13 Оила, хонадон. *Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер.* Мақол. ▬ *Иқболингга кўп яхши жойдан қаллиқ чиқди, болам. Ҳаммалари бирам сипо, бирам салобатли одамлар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Гапни (*ёки* **сўзни) бир жойга қўймоқ** *қ.* **гап 1**. **Гап** (*ёки* **сўз, фикр) бир жойдан чиқди** *қ.* **гап 1**. **Жой қилмоқ** Ётиш, ўтириш учун ўрин ҳозирламоқ. *У* [*Асрорқул*] *атрофга сув сепиб, супага жой қилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Жойини топди** *с.т.* 1) жойига тушди; 2) ишлатиб, ҳазм қилиб юборилди, эгалик бўлиб кетди. **Жойига келтирмоқ** (*ёки* **қўймоқ**) Ўринлатмоқ, ўрнига қўймоқ, тегишлича адо этмоқ, бажо келтирмоқ. *Ҳурматини жойига келтирмоқ.* ▬ [*Мухлис:*] *Дуруст, ҳамма ишни жойига қўйдим. Қадрли меҳмонларимизнинг кўнгилларига путур етмаса, бас.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. **Кутмаган** (*ёки* **кутилмаган) жойда** Кутилмаган пайтда, кутмаган ҳолда. *Бошланишда анчайин ҳазилга ўхшаб кўринган бу гинахонлик кутилмаган жойда жиддий бир тус олиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кўнгли жойига тушмоқ** *қ.* **кўнгил. Кўнглидан** (*ёки* **юрагидан, қалбидан) жой олмоқ** Кўнглида қолмоқ, юрагидан, қалбидан ўрин олмоқ: кўнглида чуқур из, асар қолдирмоқ. *Мен хотиним билан анча йилдан бери туриб, ундан кўп яхшиликлар кўрганман, бу яхшиликларнинг ҳар қайсиси кўнглимдан алоҳида-алоҳида жой олган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Ўтиргани** (*ёки* **ўзини қўйгани) жой тополмай қолмоқ** Ҳаяжондан, кутилмаганликдан типирчилаб, нима қиларини билмай қолмоқ, саросимага тушмоқ. *Ғуломжон ҳокимни кутгани бормади. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати қўзғаб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ўтқизгани жой тополмай қолмоқ** Жуда катта ҳурмат билан кутиб олмоқ. *Офтоб ойимни бўлса Ўзбек ойим ўтқизгани жой тополмас, «қуда» сўзи ўрнига «синглим» деб хитоб қилар, ошни ҳам унинг раъйини сўрамасдан буюрмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ҳушини жойига келтирмоқ** Кеккайиб, ўзига ишониб, ҳаддидан ошиб кетган кишини тартибга чақириб қўймоқ.

ЖОЙ II *рвш. шв.* Бафуржа, бамайлихотир; кеч, кейин; аниқ. *Бугун ишга жойроқ бораман. Дам олиш куни эрталаб жойроқ туришади.* ▬ *Бўлган ишни жойроқ гапириш керак, токи ҳақиқат юзага чиқсин.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЖОЙИДА *рвш. ва кесим взф.* Чакки эмас, ёмон эмас, тузук, дуруст, соз. *Иш жойида. Аҳволингиз жойидами?* ▬ *Эс-ҳуши жойида, қадди-қомати келишган, тан-жони соғ, куч десангиз, битта манман деган йигитнинг ишини баҳузур қиладиган хотин эди-да.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дастурхон жойида: қанд-қурс, мева-чеванинг саноғи йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОЙЛАМОҚ 1 Батартиб териб, тахлаб қўймоқ; сиғдирмоқ, қўймоқ. *Яшикларга олма жойламоқ. Вагонларга юк жойламоқ. Китобларни токчаларга жойламоқ.* ▬ [*Гулнор*] *Саноқсиз асбоблар, идишларни пала-партиш йиғиштириб, сандиқларга жойлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Солмоқ, солиб бекитиб қўймоқ. *Милтиққа ўқ жойламоқ.* ▬ *Қўлдош бобо пулни пўстиннинг ич чўнтагига эҳтиётлаб жойлаб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

3 Бирор иш ёки ўқишга киргизиб қўймоқ. *Ўқишга жойламоқ.* ▬ *Никанор ота уни ўғлига қўшиб, устахонага ишга жойлаб қўйди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ўша замонда ўлиб кетган холаваччасининг ўгай ўғли доктор бўлган экан, уни уришиб-уришиб, касалхонага жойлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

ЖОЙЛАШМОҚ I **1** Ўтирмоқ; ўрнашмоқ, жой эгалламоқ; сиғмоқ. *Хотинлар қий-чув билан етти аравага жойлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Эсон-омон жойлашиб олгач, овқатланиш ва бегона шаҳарни бир айланиш ниятида ташқарига чиқдим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Ер юзаси, текислик ёки фазода маълум вазият, жой олмоқ, жойланмоқ. *Мактаб чорраҳада жойлашган эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Магазин мактабга қатнайдиган йўлимиз чеккасига жойлашган.* «Муштум». *Катта йўл ёқасида комплекснинг маъмурий биноси жойлашган.* Газетадан.

3 Ўтирмоқ, чўкмоқ. *У* [*Шерзод*] *тарелкасини олиб, чол ўтирган столнинг бир чеккасига жойлашди-да, энди ўртадаги нонга қўл узатган эди, тўсатдан чолнинг қошиғи стол тагига тарақлаб тушди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

4 Кирмоқ, ўрнашмоқ. *Ўқишга жойлашмоқ. Ишга жойлашмоқ.* ▬ *Мактабда домланинг тарафдорлари.. ҳам бор эди. Буларнинг кўплари мактабга домла воситаси билан жойлашган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖОЙЛАШМОҚ II **Жойламоқ** фл. бирг. н. *Олмаларни яшикларга жойлашди.*

ЖОЙЛАШТИРМОҚ *айн.* **жойламоқ 2**. *Гулнор ўз уйига кириб, қутилардан бирини очиб, кийимлари орасига ҳалиги дўппини жойлаштирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОЙЛИ I Жойи, ери бўлган; оилали. *Жон қизим! Сенга нима бўлди, сендан ёш, ёшгина қизлар уйли, жойли бўлишиб кетди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

Туб жойли Шу жойда туғилиб ўсган, асли шу ерли.

ЖОЙЛИ II Халқона-хурофий эътиқодга кўра: муқаддас ёки пастқам, овлоқ жойларда ножўя, ножоиз иш қилганлиги сабабли келиб чиққан, вужудга келган (касаллик, бетоблик ҳақида). -*Касалингиз жойли экан, — деди фолбин.*

ЖОЙНАМОЗ [*ф.* جاى‌نماز — намоз гиламчаси; намоз жойи] Намоз ўқиш учун солинадиган махсус гиламча, палос, мато ва ш. к. *Тожибой қозиқдан жойнамозни олиб, бомдод намозини ўқишга ўтирди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЖОЙРАВО [*ф.* جاى‌روا — ўрнига мақбул келувчи; жоиз] *шв.* Кўчалик кийим. *Ҳасан овчи ягона жойравоси — оқ гулли авра-астар қизил чит чопонини ечиб, хотинига узатаркан, опаси Санам отинга кўзи тушиб, у билан саломлашди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЖОЙСИЗ I Бошпанасиз, уйсиз. *Қишлоқ — ўсиб унган юртим. Албатта, жойсиз қолмасмиз, соғ бўлсак, тирикчиликни ҳам йўлга солармиз, аммо, Гулнор, сиз яхши ўйланг, ихтиёр сизда* [*деди Йўлчи*]. Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОЙСИЗ II *рвш. кам қўлл.* Ўринсиз, ноўрин. *Қўқонга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқазиш бўлсин, жойсиз қайғурмангиз, ҳожи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қутидор ўзининг жойсиз саволидан ўкиниб, ерга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖОЙСИЗЛИК Бошпанасизлик, турар жойи йўқлик. *Анварнинг махдум ҳовлисида туришини жойсизликдан ва ёшликдан шунда ўсиб ўргангандан, деб юрган Султонали мирзо бу кун эрталаб ўз уйига келган махдумнинг сўзидан кейин бир оз ҳақиқатга тушунгандек бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖОЙХОБ [*ф.* جاى‌خواب — ухлаш жойи; ўрин-кўрпа] Тўшак; ўрин. [*Офицер*] *Сўнг ғазаб билан сўкиниб, зинадан пастга тушдида, қўй тўдасига дориган бўридек, жойхобда ётганларнинг устларидаги ёпинчиқларни улоқтира бошлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖОЛА [*ф.* ژاله — шудринг; ёмғир; кўз ёши] Кўз ёши. *Оқизма кўзингдан қонли жолангни, Умри узун бўлсин кўзи қорангни(нг).* «Равшан». *Видо табассумли олам, ёшлигим, Кўзларимда қотган жолам, ёшлигим.* Р. Парфи.

ЖОМ [*ф.* جام — пиёла, қадаҳ; коса] **1** Мис тоғора, тос. *Қудуқ бўйида челак тўла сув ва занжирга боғланган мис жом турарди.* С. Айний, Дохунда. *Иссиқ уйда жомда бош ювишди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Шароб ичиладиган идиш; қадаҳ. *Муҳаббат жомидан нўш айлаган ақли зако бўлмиш..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Фақат яхшиликдан чиқмасин бошинг, Дея аёллар ҳам қўлга олар жом.* Г. Жўраева.

3 Металл ноғора; гонг.

Жом урмоқ (*ёки* **чалмоқ**) Жиринглamоқ, занг урмоқ. *Девор соат жаранглаб, беш марта жом урди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Қишлоқ. Кечки саждага чорлаб жом чалинар.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ЖОМА [*ф.* جامه – либос] **1** Кийим, либос. *Ипак галстукка энди ижозат, Йигитга муносиб йигит жомаси.* Ғ. Ғулом. *Оқ жома кийиб, оқ салла ўраган чол чолдевордан чиқиб, остонага ўтирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *кам қўлл. айн.* **жом 2**.

ЖОМАДОН [*ф.* جامه‌دان – кийим солинадиган қути, сандиқча] *айн.* **чемодан**. *Жомадоним бурчагида борар эди буклоғлиқ, Тоза пишиқ, Лекин ўзи сал ямоқли, сал доғлик.* Миртемир.

ЖОМАДЎЗ [*ф.* جامه‌دوز – кийим тикувчи] *эск.* Тикувчи, чевар. *Холаси чевар-жомадўз эди.* Ойбек, Навоий.

ЖОМАКОР [*ф.* جامه‌کار – иш кийими] Иш кийими, коржома. *Қобилжон жомакорини кийишни ҳам унутиб, станогини апилтапил арта бошлади.* М. Хайруллаев, Табаррук тўлқин. *Умурзоқ ота, юпқа жомакори устидан белини маҳкам боғлаган ҳолда, совуқни писанд қилмай ишларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЖОМАШОВ [*ф.* جامه‌شوی – (кир) ювадиган идиш] Кир ювадиган тоғора. *У* [*Латофат*] *кирни бувилардан қолган расм билан жомашовда, чўнқайиб ўтириб ювмайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Нотавон кўнгилга қўтир жомашов *қ.* **нотавон.**

ЖОМБИЗ *шв.* Оёқнинг тизза остидаги букик жойи; тақим.

ЖОМЕ [*а.* جامع – бир жойга йиғувчи, тўпловчи] Кўпчилик бўлиб намоз ўқиладиган махсус жой. *Жомега бирга бордилар, жамоат билан ҳайит намозини ўқидилар.* К. Яшин, Ҳамза. *Жоме пештоқи остидаги мармар супа устида икки киши гаплашиб ўтирарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Масжиди жоме Шаҳар ёки маълум ҳудуднинг жума намози ўқиладиган энг катта марказий масжиди. *Йўлчи «Поякилик» орқали ун бозорига, «Масжиди жоме» томонига ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОМИУЛ-УЛУМ [*а.* جامع‌العلوم – илмларни тўпловчи] *эск.* Илмнинг кони, илмлар эгаси (жуда ҳам илмли, ўқимишли кишилар ҳақида). *Саводсиз бекни «жомиул-улум» деб юксалтирарди.* Ойбек, Навоий.

ЖОН [*ф.* جان – руҳ; ҳаёт; куч-қувват] **1** Диний-ибтидоий тасаввурларга кўра, инсон ва ҳайвон танасида бўладиган, уйқу чоғида (вақтинча) ёки ўлган вақтда танадан чиқиб кетадиган алоҳида кўзга кўринмас илоҳий куч, қувват; руҳ. *Жон бор жойда қазо бор.* Мақол. ▬ *Одамнинг лойдан ясалишини, унга жон бағишланишини.. шундай қизиқ қилиб ўқиб бердики..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Жон бермоқ 1) вафот этмоқ, ўлмоқ. *Вафот қилди жонкашим, дардкашим. Ҳозир қўлимда жон берди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *кўчма* таслим бўлмоқ, курашни, қаршиликни тўхтатмоқ. *Йўқ, Хўжабековга ўхшаганлар осонликча жон бермайди. Ётиб қолгунча отиб қолади.* С. Анорбоев, Оқсой; 3) *кўчма* астойдил хизмат қилмоқ, фидойилик қилмоқ. *Мусулмонлар! Яхши деб йўлида жон берганинг Азизбек бу кун сизларга яхшилигингизни ўттиз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Жон кирмоқ** 1) тирилмоқ. *Балиққа жон кирди;* 2) *кўчма* жонланмоқ, руҳланмоқ, қизимоқ. *Қутидор қайтиб йўлакка кириши билан.. Офтоб ойим ила Кумушга қайтиб жон кирган каби бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Табиатга жон кирди, толлар барг чиқарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Жон олмоқ** 1) ўлдирмоқ. *Мен ўзимнинг ашаддий душманим билан танҳо курашиб, ё жон бермоққа ва ё жон олмоққа қарор берган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *кўчма* қийнамоқ, азобламоқ, сиқмоқ; безор қилмоқ. *Ямоқчини бўлса Исматҳожи ҳар куни масжидга чақириб, одамлар ўртасида ҳақорат қила бериб жонини олди.* Ойдин, Ямоқчи кўчди. **Жони бор** 1) тирик, жонли. *Жони борнинг умиди бор.* ▬ *Танимда жоним бор экан, пахта беришга тиришаман.* Ш. Рашидов, Ғолиблар; 2) *кўчма* асоси бор, асосли. *Гапингизнинг жони бор.* **Жони узилмоқ** Вафот этмоқ, ўлмоқ. **Жони чиқмоқ** 1) *айн.* **жони узилмоқ**. *Жонинг чиққур! (қарғ.). Тер чиққандан жон чиқмас.* Мақол. ▬ *Ибн Синога касалнинг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *кўчма* қўрқмоқ, эси чиқиб кетмоқ. *Туф-э, қуриб кетсин, жоним чиқиб кетди-я.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) *кўчма* жаҳли чиқмоқ, аччиғи қистамоқ, ғазаби келмоқ, дарғазаб бўлмоқ. *Оларда кирар жоним, берарда*

чиқар жоним. Мақол. ■ *Полвон келганда, темирчи шундай қилган эди, унинг жони чиқиб, тишини ғижирлатди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Жони ҳалқумига (***ёки* **бўғзига, ҳиқилдоғига) келмоқ** 1) ўлар ҳолатга келмоқ, ўлгудай қийналиб кетмоқ. *Душманлар жони ҳалқумига келганда мана бундай қутурадилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) *кўчма айн.* **жони чиқмоқ 2**. *Боя нималарни сўзладингиз, сир очиладими, деб жоним бўғзимга келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) *кўчма* безор бўлмоқ, тоқати тоқ бўлмоқ. *Ҳамма ерда ҳам одамларнинг жони бўғзига келиб қолди, қизим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Сезувчи, ҳис этувчи тан, бадан. *Бутун жоним қақшаб оғрияпти. Тиш оғриғим босилиб, жоним ором олди. Бетимнинг қалини – жонимнинг ҳузури.* Мақол. ■ *Тим қоронғи, изғиринли кеча. Ёмғир худди жонга игна санчгандай, эзиб, муттасил саваларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ғуломжон айвонда отаси билан турар, столларнинг қарсиллатиб синдирилаётганини эшитиб, худди ўз қовурғалари синдирилаётгандек, жони оғрир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жон(и) ачимоқ Ачиниб, дилдан хайрихоҳлик билдирмоқ; ачинмоқ. *Унга жоним ачиди.* **Жондан ўтмоқ** 1) баданни, аъзони оғритмоқ, қақшатмоқ, зирқиратмоқ. *Оғриқ жондан ўтди;* 2) қаттиқ таъсир қилмоқ, алам қилмоқ. *Айниқса, бугунги сўзлар жон-жонимдан ўтиб кетди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Эшоннинг даккиси жонимдан ўтгандан кейин қочдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Жонини койитмоқ** Қийналиб, машаққат чекиб, бирор иш қилмоқ, қаттиқ уринмоқ. *Қўшчинорликлар ёки қўғазорликлар у ёқда турсин, сувнинг бошида бўладиган бақақуруллоқликлар ҳам ўзи ёки уловининг жонини койитгиси келмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Ҳаёт; ҳаёт-мамот; тириклик. *Кемага тушганнинг жони бир.* Мақол. *Эчкига жон қайғу, қассобга ёғ қайғу.* Мақол. *Жондан кечмасанг, иш битмас.* Мақол. ■ *Чечак Жамбул, сен Ватанни севасан, Керак бўлса, жонингни ҳам берасан.* Фозил шоир. *Отам мени жонидан ортиқ кўрар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жон сақламоқ Ўзини маънавий ёки жисмоний ҳалокатдан ёки оғир, мушкул аҳволдан сақлаб қолмоқ. *Офтобдан дарахтларнинг тагида жон сақламоқ.* ■ *У ҳамон ковакда жон сақлаб келмоқда. Бефаросат, лақма одамни кўрса, ковакдан секин чиқади, аллакимдан эшитган янгиликларни айтади, яна кириб кетади.* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи. **Жон ҳовучламоқ** Ўз ҳаётидан хавотир бўлмоқ, қўрқаписа, хавотирда яшамоқ. *Мирзо Ёдгорнинг боши кесилди. Унинг тарафдорлари жонларини ҳовучлаб, ин-инига кирди.* Ойбек, Навоий. **Жон(и)га ора кирмоқ** 1) ҳалокатдан ёки бирор кўнгилсиз воқеадан, танг ҳолатдан сақлаб қолмоқ. *Булар жонларини фидо қилиб, мингларча кишиларнинг жонига ора кирдилар.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) қийин, мушкул аҳволдан қутқазмоқ, оғир пайтда ёрдамга келмоқ, ёрдам қилмоқ. *Шундай дўппи тор келган пайтда Азим бойвачча Холхўжанинг жонига ора кирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Жондан безор қилмоқ** (*ёки* **тўйдирмоқ**) 1) ўлимига рози қилмоқ; 2) жуда ҳам зериктирмоқ, кўнглига урмоқ, безор қилмоқ. *[Оқила:] Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб жонимдан безор қилишяпти.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Жондан безор бўлмоқ (***ёки* **тўймоқ)** 1) ўлимига рози бўлмоқ, яшашни истамаслик. *Қуллар очликдан ўлсин, қароллар чарчаб, жонидан безор бўлсин, ҳар нима бўлса-бўлсин, сенга фойда бўлсин.* С. Айний, Қуллар. *Овозингни чиқарма, жувонмарг. Эшон поччанг эшитмасинлар. Нима, жонингдан тўйдингми?* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ортиқ тоқат қила олмаслик; безор бўлмоқ. *Бас, пичоқ бориб суякка етди. Бошимни эгиб, индамай юрганим етар, жонимдан тўйиб кетдим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Жонини тикмоқ** Ҳаётини бағишламоқ. *Мен жонимни яхшилик йўлига тикканман, Зокиржон.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Киши, одам. *Жон бошига. Биз тўққиз жон эдик.* ■ *Қорабулоқ қишлоғида бирорта уйғоқ жон қолмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳеч бир жон йўқки, они бўлмаса жононаси.* Ҳамза. *Ҳамма ишни тўхтатиб, қимирлаган жонни теримга солар эканмиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

5 Бир қатор аниқловчилар билан қўлланиб, «бош», «жусса» маъноларини ифодалайди. *Қиз жонинг билан қаергача бороладинг?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Ёш жонинг бор, қизим, – деди [Офтоб ойим], – бировга ёмонлик соғинма.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Вой шўрим, – деди Мастура. – Жиндаккина*

жонингизга-я? Шу жуссангизга учта дард сиғадими? А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

6 Куч, қувват, мадор. *Жони борича ҳаракат қилмоқ. Тезроқ қимирласанг-чи, жонинг борми?* ▬ *Ҳожи.. секингина қўлини узатиб, қулоғини ушлади ва уч буклаб туриб қаттиқ қисди, жони борича қисди.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Жони борича икки қўлидаги этик билан эшикни «қамчи»лади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Жони йўқ 1) ўлик, жонсиз. *Сойга қарасак, учта балиқ ётибди: иккитаси ўлик, биттасининг жони йўқ.* «Эртаклар»; 2) *кўчма* кучи йўқ, кучсиз, мадорсиз. *Бир қўлимнинг жони йўқроқ. Сенинг муштингни ея бериб, жонимда жон қолган эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) бўш, чидамсиз. *Жони йўқ ип. Жони йўқ мато.* **Жон олиб, жон бермоқ** Бирор ишда астойдил ғайрат кўрсатмоқ; жонбозлик, фидокорлик қилмоқ. *Бўтабой кечани кеча, кундузни кундуз демай, колхоз учун жон олиб, жон берди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

7 Яхши кўрадиган, севимли, ёқимли киши ёки нарса ҳақида. *Олма — унинг жони. Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молидан кечмас.* Мақол. ▬ *Аммо лекин Мухторхон домла нафсамбирига одамнинг жони эди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

8 Энг яқин, севикли кишиларга мурожаатда сўзловчининг уларга яқин муносабатини ифодалайди, бегоналарга нисбатан эса ҳурмат ёки хушомадни билдиради. *Жоним, дедим қулоғига, оҳиста, жон, деди.* «Қўшиқлар». *Гулнорнинг кўзлари очилиб кетди.. Йўлчига тикилди. -Нима қилди, жоним, — сўради Йўлчи, лекин бетобмисиз дейишга тили бормади.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Жамила Ғофирга:] Агар ўтирган жойингизга хас-хашаклар тўкилса, сочларим билан супурай.. жонгинам.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

9 «Опаси», «акаси», «отаси» ва ш. к. сўзлар билан, баъзан ёлғиз «жонидан» шаклида сўзловчининг тингловчига яқин муносабатини, эркалаш ёки хушомад маъноларини ифодалайди. *-Опаси жонидан, дуторингизни чалинг тузукроқ, — деди у [Маликахон] Адолатга қараб,— ўйин-кулгига ташна бўлиб ётганмиз.* С. Зуннунова, Гулхан.

10 Ҳаёт манбаи, ҳаёт бағишловчи нарса ҳақида. *Ёмғир — экиннинг жони.* ▬ *«Иссиқ — пахтанинг жони» деган мақол ҳам бежиз айтилмаган.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

11 Бирор иш, соҳа ёки доирада асосий, муҳим ўрин эгалловчи, илҳомлантирувчи, ташкилотчи шахс. *Жўраларининг жони. Давранинг жони. Мактабнинг жони.*

12 Мурожаат қилинаётган шахсни билдирувчи сўздан олдин келиб, мурожаатдаги илтимос, илтижо маъносини кучайтиради, баъзан эркалаш маъносини билдиради. *Ниёз мен билан хайрлашар чоғида: -Жон Ҳожи ака! Энди гап шу ерда қолсин.. — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Урманг отамни! Жон амаки, урманг! — деб зор йиғлай бошлади болалар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

13 Шахс билдирувчи сўзларга, кишилар отига қўшилиб, уларга кичрайтиш-эркалаш, ҳурмат маъносини беради, мас., *онажон, бувижон, холажон, акажон, домлажон; Салимжон, Қодиржон.*

14 *кесим взф.* Шукур. *Офицернинг шу кетиши бўлса, штабга етиб борса ҳам жон.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Бир жон, бир тан бўлмоқ Бир ёқадан бош чиқармоқ, баҳамжиҳат бўлмоқ. **Жон аччиғида (*ёки* ҳолатда)** 1) ўлим талвасасида. *Офицернинг ўзи ҳам талвасада ҳолдан тойган эди, бунинг устига хотини полда юмалаб, жон аччиғида хирилларди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси; 2) ғайриихтиёрий равишда, беихтиёр. *Чеккасини зах ерга бериб йиқилган ва кесак каби ҳиссиз қизини [қутидор] жон ҳолатда қучоғига олди: «Қизим.. Кумуш.. Кўзингни оч!»* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Жон деб** Хурсандлик билан, мамнуният билан, бажону дил. *Агар лозим келса, тошкўмир конига бориб, кўмир қазиб келтиришга ҳам жон-жон деб кетар эдим.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Жон кошки** Кошкийди, қани эди-я. **Жон куйдирмоқ** 1) бор куч-имконини аямай астойдил ҳаракат қилмоқ. *Бутун жамоа байрамни муносиб кутиб олиш учун жон куйдириб ишламоқда;* 2) ачинмоқ, қайғурмоқ, илтифот кўрсатмоқ. *Беш болали бир аёлнинг Элмуродга жон куйдириб, уни ўз паноҳига олмоқчи бўлгани тўғрисидаги гаплар Бувинисога жуда хуш келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Жон талвасаси** *қ.* **талваса. Жони кирмоқ** 1) ҳузур қилмоқ, маза қилмоқ, ором олмоқ. *Уйига сув, газ ўтказиб, жони кирди. Тиш олдириб, жони кирди;* 2) жуда хурсанд бўлмоқ, қувонмоқ, севинчи ичига сиғмай кетмоқ. *Кино деса, жони киради.* ▬ *Аёллар: - Бўлмаса-чи! Ҳамманинг жони кирди. Қамишкапада ҳеч бунақа*

томоша бўлган эмас, – дейишди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Жон(и)га тегмоқ** Безор қилмоқ, кўнглига урмоқ, кўнглига тегмоқ. *Мусофирчилик жонга тегади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир иш буюрсанг, сўрай бериб жонга тегади.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. **Жоним билан** Бош устига, жон деб, бажону дил. *Агар шаҳарда зарур ишларингиз бўлмаса, мен билан бир ерга бориб келсангиз. –Жоним билан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аскарликка жоним билан бораман..* П. Турсун, Ўқитувчи. **Жоним тасаддуқ** *қ.* **тасаддуқ. Жўжабирдай жон** *қ.* **жўжабирдай. Ўлмаган менинг жоним** *қ.* **ўлмоқ**.

ЖОНАЖОН [*ф.* جانجان – азиз; севимли; самимий] **1** Энг севимли, қадрли, қадрдон; энг яқин. *Жонажон дўст.* ▬ *Хайр, жонажон дўстим Ювош! –Мени унутма!* [*деди Ювош*] Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Энг муҳим, энг зарур ва фахрли. *Тинчликни ҳимоя қилиш – жаҳон халқларининг жонажон ишидир.*

ЖОНБАХШ [*ф.* جانبخش – ҳаётбахш; ҳаёт ҳадя этувчи] Ҳаёт бахш этувчи, ҳаёт бағишловчи, куч-ғайрат, далда берувчи. *Сир ва Амударёнинг жонбахш сувлари.* ▬ *Нафас олса, жонбахшидан, дилкашидан айрилиб қолаётгандек, жим эшитди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Офтоб тафтиданми, мана шу жонбахш шамол таъсириданми, қорлар эриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖОНБОЗ [*ф.* جانباز – жонини хатарга қўювчи; жон фидо қилувчи] Бирор ишда астойдил ғайрат кўрсатувчи, фидокор. *Жонбоз пахтакорлар.* ▬ *Чортоқда пахта ишқида тунни тонгга, кундузни оқшомга улаб ишлаётган жонбоз деҳқонлар фаолияти билан танишдик.* Газетадан.

ЖОНБОЗЛИК Мардлик, қаҳрамонлик; фидокорлик. *Массагетлар бирдек жонбозлик кўрсатиб, ёв билан мардларча олишди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Урушга кирганлар ҳам оғир участкаларда жонбозлик қилишни бўйнига олиб кирарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЖОНГИНАМ Азизим, меҳрибоним, севгилим. *Ҳозир бир ажойиб жойга борамиз, йўқ деманг, жонгинам.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *-Ҳа, жонгинам, нима бўлди? – деди Собиржон эшикдан кира туриб.* «Муштум».

ЖОНГЛЁР [*фр.* jongleur < *лот.* joculator – қизиқчи, масхарабоз] **1** Дайди мусиқачи, ашулачи. *Ўрта аср Франциясидаги жонглёрлар мактаби, жанубий славян достонларини куйлаган кўр гуслярлар мактаби бизга маълумдир.* «ЎТА».

2 Нарса-буюмларни юқорига отиб, тутиб олувчи цирк артисти.

ЖОН-ДИЛ, жону дил Энг севимли, энг яхши кўрадиган киши ёки нарса ҳақида. *Жон-дилим китоб.* ▬ *Жон-дилим футбол эмасми, қизни ҳам унутиб, бутун хаёлим ўйинда бўлиб қолди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Жон-дил билан Астойдил, астойдил берилиб. *Йигитлар Жўрахон пайдо бўлса, ундан маслаҳат ва топшириқ кутиб, унинг буюрганларини жон-диллари билан бажарардилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ҳар бир ишга жон-дили билан киришадиган бу йигит, ҳафта ўтмасданоқ, машинани мустақил бошқара оладиган бўлди.* И. Раҳим, Шонли авлод.

ЖОНДОР [*ф.* جاندار – тирик; тирик мавжудот] *қ.* **жонзот.** *Бир турли жондорлар пайдо бўлибди, у жондорлар Муроджонни кўрибди.* «Муродхон». *Ўрмонда жондор кўп: силовсин бор, тўнғиз бор.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЖОНДОШ [*ф.* جانداش – жонга яқин, жондай ака-ука] Бутун ҳаётий манфаатлари, фикри-зикри бир бўлган; якдил, ҳамнафас. *Бу баҳор байрами, гуллар байрами.. Бу қондош ва жондош эллар байрами!* Шуҳрат. *Ассалом, қондош элим, жондош элим, ёндош элим, Ўзбегим кўз бўлса, унга хўп келишган қош элим.* Ў. Рашид.

ЖОН-ЖАҲД, жону жаҳд: жон-жаҳд билан Жони борича, бор кучи билан; зўр бериб, ғайрат қилиб, астойдил, енг шимариб. *Жон-жаҳд билан ишламоқ.* ▬ *Тешани Абдулла олди ва жон-жаҳди билан ғиштларни кўчириб узата берди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *У мотоциклнинг рулини жон-жаҳди билан ушлаб, бошини кўтарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЖОН-ЖАҲОН, жону жаҳон Бутун борлиғи, бутун вужуди. *Қиз боши билан у жон-жаҳонидан кечиб, истиқболингга югурса-ю, иссиқ уйдан чиққинг келмаса. Шу ҳам йигитчилик бўлди-ю. –Нусратбек ўзининг худбинлигидан ўзи жирканиб кетди.* С. Нуров, Нарвон. *Аваз ўрнидан қушдай енгил турди. Оппоқ бўлиб ёришган янги тонг ҳавосидан,*

безовта кўнглида туғилган янгича бир туйғулар навосидан жон-жаҳони яйрарди. С. Сиёев, Аваз.

ЖОНЗОТ [*ф.+ а.* جانذات – жон эгаси] Тирик жон, жонивор. *Бу ерда на дов-дарахт, на бошқа бирон жонзот бор эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қўрада бандилардан бошқа жонзот қолмаган, қўйлар ўтловга ҳайдалган эдилар.* С. Айний, Қуллар.

ЖОНИБ [*а.* جانب – ён, томон, тараф] *эск.* Тараф, томон, ер. *Қайси жонибдин келур, деб термулуб ҳар соате, Йўлларида чор чашми интизорим бор эди.* Муқимий.

ЖОНИВОР [*ф.* جانور – жони бор, тирик] **1** Табиатдаги ҳамма жонли нарсалар; жон эгаси; мавжудот (ўсимликдан ташқари). *-Худойи таоло инсонни ҳамма жониворлардан азизу мукаррам этиб яратди, – деди Меъмор ўртадаги сукутни йўқотиб.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қишлоқда бирорта қимир этган жонивор кўринмайди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Нарса, ўсимлик, ҳайвон ва ш. к. га нисбатан эркалаш маъносида ёки «бечора», «боёқиш», «шўрлик» каби маъноларда ишлатилади. *От сағрисидан лойга ботган, жонивор бор кучи билан пишқириб, олдинга интилади.* Ойдин, Фонарь тагида. *Ишком четида бир шафтоли бор экан, жонивор, мевасини кўтаролмай, шохлари ерга қайрилиб ётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оғайни, бу ош деган жонивор куйиб кетмадими!?* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

3 *кўчма* Ҳайвон, махлуқ. *-Қори Ибод деганинг аҳмоқ бир жонивор экан, – деди Қурбон девона.* С. Айний, Жаллодлар. *-Аммо отангни ҳам шу жониворлар орасига қўшиб ўлтиришинг қисқалигингдир! – деди* [*Ҳожи*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *От дам олсин, ўрнига сизни қўшамиз. Сиз ундан кўра ақллироқ жониворсиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖОНИМ *қ.* **жонгинам**. *Севгилим, «Шоир» дебсан мени хатингда, «Севганим» ё «дўстим» демабсан: Раҳмат, жоним, ёзган хатингга, Аммо ҳали шоир эмасман.* Х. Салоҳ, Чашма. *-Жоним,– деди Давлатёр титроқ товуш билан, – бир оғиз гаплашишга зорман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖОН-ТАН, жону тан *айн.* **жон-дил**. *Бунинг устига болажонлигини айтмайсанми-я. Дамир билан Попук жони-тани.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЖОНИҚМОҚ Бир нарсадан қуруқ қолаётгандек шошмоқ, ошиқмоқ, шошқалоқлик қилмоқ. *Шошма, мунча жониқмасанг?* ▬ *Биламан, ўттиз икки тишингнинг ҳаммаси чиққан. Лекин тишларингни уриб синдирмоқчилар, жониқаверма, болам.* К. Яшин, Ҳамза.

ЖОНКАШ *кам қўлл.* Меҳнатни жонидан ҳам ортиқ кўрадиган; меҳнаткаш, ғайратчан; жафокаш. *Жонкаш аёл.* ▬ *Вафот қилди жонкашим, дардкашим* [*деди Шоқосим*]. Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОНКАШЛИК *кам қўлл.* Меҳнатсеварлик, фидокорлик, фидойилик. *Жонкашлик қилмоқ.* ▬ *Йўлчи ёзда ёниб, чангтупроқ ялаб, қишда қор-муз кечиб, бутун маҳрумиятларга, бутун оғриқларга қарамасдан, жонкашлик билан ишлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОНКУЯР Бирор иш, соҳа ёки киши учун жон куйдирувчи, астойдил ғайрат кўрсатувчи; ғамхўр. *Менинг жонкуярларим бор.* ▬ *Республика матбуотининг жонкуярларидан бири бўлган Ўлмас Алиев Марғилонда яшаб, ўз фаолиятини давом эттирмоқда.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Отадек меҳрибон қайда, Онадек ғамгузор қайда? Бу ерларда сарсонман, Улардек жонкуяр қайда?* «Оқ олма, қизил олма».

ЖОНКУЯРЛИК Жон куйдириб ишлашлик, фидокорлик, ғамхўрлик. *Қодир ака ўн йилдан бери раис бўлса ҳам, колхозчиларнинг бу йилгидек жонкуярлигини ҳеч қачон кўрмаган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳамқишлоқлари эса унинг куюнчаклиги, жонкуярлигидан ҳамиша хурсанд.* Газетадан.

ЖОНЛАНИШ 1 Жонланмоқ фл. ҳар. н.

2 Ҳаракатга, жўшга келиш; кўтаринки руҳ. *Машшоқлар ашула бошлаб юбордилар. Одамлар ўртасида шивир-шивир, жонланиш бошланди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Жонланиш, гап, кулги бир-бирига қўшилиб, зал шов-шув бўлиб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Ривожланиш; олға босиш. *Ишдаги жонланиш маошга ҳам таъсир қилди.*

ЖОНЛАНМОҚ 1 Ҳаёт белгиларини кўрсатмоқ; тетикланмоқ, бардам бўлиб қолмоқ; тирилмоқ. *Баҳор – табиат жонланадиган фасл.* ▬ *Кунлар анча узайиб қолди, ҳавонинг ҳарорати кун сайин кўтарилиб, борлиқ мавжудот жонлана бошлади.* Газетадан. *Эрталаб қишлоқ аҳолиси, баҳор қуёшининг дастлабки илиқ нуридан жонланган*

жониворлар сингари, ўрмалаб, кўчага чиқа бошлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Енгил тортиб, ҳаракатга, жўшга келмоқ; руҳи кўтарилмоқ, руҳланмоқ. *Кумуш.. сесканиб ўзига келди. Ҳушдан ажралаёзган бечоралар [қутидор, Офтоб ойим] бу ҳолдан сўнг бир оз жонлангандек бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У севгилиси қўлидан ўзига оби ҳаёт ўтгандек жонланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Гавжум, серфайз бўлмоқ. *Кундуз соат бирлардан кейин тўйхона жонланиб қолди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Кимсасиз, ўлик кўринган дашт одамлар билан жонланиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Равнақ, ривож топмоқ, юксалмоқ, олға босмоқ. *Ишлар жонланиб кетди.* ▬ *Жўрахон раҳбарлигида ҳаваскорлик тўгараклари, спорт ишлари жонланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 Қизғин тус олмоқ, қизимоқ. *Суҳбат жонланди.*

6 Намоён бўлмоқ, гавдаланмоқ. *Касал чолнинг сарғайиб кетган юзи, муштдеккина гавдаси Шерзоднинг кўз ўнгида тағин жонланди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Кўзи олдида Даша хола жонланди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЖОНЛИ 1 Тириклик аломати бор, тирик. *Жонли тўқима* (биол.). ▬ *Қиздан сўрабди: -Бу ерда нима қилиб ўтирибсан, бу ерда ўзингдан бошқа жонли жонивор борми?* «Олтин бешик».

2 Яшаб турган, барҳаёт, тирик. *Ўтмишнинг жонли шоҳиди.* ▬ *Жонли гувоҳни ишга тикиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Уруш заҳматини бошидан кечирган ҳар бир одам даҳшатли у йилларнинг жонли шоҳидидир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *кўчма* Эҳтиросли; қайноқ. [*Гулнор*] *Йўлчининг кучли, эркак нафасини, дудоқларида унинг бўсасининг жонли оловини бир лаҳза сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Тийрак, серҳаракат; шўх. *Тахтапуллик Собиржонни танир эдим мен Бокудан: Зап чавандоз, миқти, жонли, хосиятли улфат жуда.* М. Шайхзода. *Ҳақиқатда эса мингбоши хотинлари орасида энг жонли ва энг эслиги бўлган бу жувон — Султонхонга қарши очган курашининг натижасидан норози эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

5 *кўчма* Руҳли, шўх, қизиқ; қизғин. *Бу узатиш мажлисини жонли, руҳли ўтказмоқ учун барча қизлар ўзларининг энг асл, энг нафис кийимларини кийиб.. ҳусн оламини.. яна бир қайта бежабдирлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мелиқўзи билан бўлган жонли суҳбатда [унинг] бутун орзу-истакларини билиб олдим ва очерк ёздим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

6 *кўчма* Тетиклик, ғайрат, хушчақчақлик ифода этувчи; шўх, ўйноқи (кўз қараши, чеҳра ҳақида). *Йўлчининг чиройли кенг юзида.. жонли, теран маъноли кўзларида қандайдир илиқ, самимий табассум тошган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 *кўчма* Худди ҳақиқатдагидек, чин, ҳақиқий; ёрқин. *Жонли портрет.* ▬ *Жилин билан Костилиннинг саргузашти уларнинг кўз олдиларида жонли воқеадай ўта берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Сайрамов*] *Ҳар масалани жонли мисоллар билан баён қилди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

8 *кўчма* Ифодали, аниқ-равшан, тушунарли. *Атоқли халқ санъаткори* [*Юсуфжон қизиқ*] *ҳаётнинг энг чигал, мураккаб томонларини жонли тил билан содда қилиб тушунтира оларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Эски адабиётни яхши ўқийди, айниқса.. Абомуслим достонларини ўқиганда, жуда ҳам жонли чиқаради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

9 *кўчма* Ҳаёт қайнаган, гавжум; жўшқин. *Кундузгига қараганда сарой жонли: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хохолаб кулишишлари саройни кўкка кўтаргудек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 *кўчма* Амалий, ишбилармонларча. *Раҳбарликни қоғозда эмас, жонли раҳбарлик қилиш шаклида олиб бориш керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖОНЛИЛИК Ҳаётийлик, жўшқинлик. *Рақснинг жонлилиги.* ▬ *Жозибали декорация «Буюк канал» операсига жонлилик киритган.* Газетадан.

ЖОНЛИҚ *дин.* Худо йўлига, азиз-авлиёларга қурбонлик учун аталган уй ҳайвони ёки товуқ, хўроз. *Жонлиқларнинг калла-почалари ҳар доим шу ерда кўзларини лўқ қилиб пойлаб ётувчи мозор шайхларига улашиларди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ҳотам: -Сизлар тунда келган вақтларингизда оёқларингизга жонлиқ сўяй десам, йилқилар ҳаммаси яйловда эди, — деган экан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЖОНОН [*ф.* جانان – маҳбуба; маъшуқа] **1** *от* Жуда гўзал, зебо, қадди-қомати келишган аёл; нозанин. *Кўзим нури, латофатли на хуш озода жононсан, Нечук ҳам яхши жононсан, менинг жисмим аро жонсан.* Ҳабибий.

2 *сфт.* Жуда яхши, гўзал, ширин, ёқимтой; ўйноқи; аъло. *Жонон йигит.* ▬ *Шаҳримиз кўркидир жонон болалар.* Ғ. Ғулом. *Айтсам, дўстлар, шу туни Бўлиб ўтди жонон тўй.* З. Диёр. *Ҳой қушлар, жонон қушлар, Келинг, чертай бирга тор.* Ғайратий. *Кулгиси чиройли экан, жонон чинни чертилгандай бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Яқин кишиларга мурожаатда ҳурмат ёки кесатиқ маъносини, бегоналарга нисбатан эса хушомадни билдиради. -*Жонон, – деди у, хотинининг бошини силаб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Жонон (хотин-қизлар исми).

ЖОНОНА [*ф.* جانانه – маҳбуба; маъшуқа] Маҳбуба, маъшуқа, севгили ёр. *Жондан кечмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлана қайда.* Мақол. ▬ *Ҳеч бир жон йўқки, они бўлмаса жононаси.* Ҳамза. *Кўзгинанг мастонмисан, Сен нечук жононасан?* «Ойсулув».

ЖОНОҚИ: жоноқи олма Эртапишар, хушбўй, ширин қизил олма. *Олдинпишар жоноқи олмалар оловдай ёнади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Қосим бува тоғ этагидаги ёввойи олмаларга жоноқи олмаларни пайванд қилиб юрарди.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

ЖОНПАРВАР [*ф.* جانپرور – жонбахш, ҳаётбахш] Инсонга руҳ бағишловчи, руҳлантирувчи. *Кечки пайтларда айниқса ҳамма созандаларнинг мусиқа садолари ҳар томонда жаранглаб, жонпарвар яллалар фалакка чирмашар эди.* Газетадан.

ЖОН-ПОН: **жон-пони чиқиб кетмоқ** *айн.* **жони чиқмоқ 2, 3**. *қ.* **жон 1.** *Уларнинг шарпасини сезган хўроз чўчиб, «қу-қу» деб безовта бўла бошлади. Уларнинг* [*Раҳмон, Қўзининг*] *жон-пони чиқиб кетди.* Ё. Шукуров, Уч савол. *Бу янгиликларни эшитиб, шайхнинг жонпони чиқиб кетаёзди.* К. Яшин, Ҳамза. *Жонпони чиқиб турган Бекжон сигирнинг орқасидан қаттиқ итарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЖОНСАРАК [*ф.* جانسرک > جانسیر – жондан тўйган] Саросимага тушган, эсанкираган, гангиб қолган; безовта. [*Мансур:*] *Мағрур Алишернинг сувдан чиқариб ташланган балиқдай жонсарак, ини бузилган қушдай безовта бўлиши қасос билан тўлган юрагимга тасалли беради.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Олдинги позицияга илк қадам қўйиб, ҳар нарсадан ҳадиксирагандай, теваракка жонсарак ва ожиз қарайдиган янги жангчилар орасида* [*Бектемир*] *ўзини пихини ёрган хўроздай сезар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Сира бекор ўтирмайдиган, доим ўзига иш топиб ғимирлаб юрадиган, тинчимайдиган; серҳаракат. *Ҳозир ўша жонсарак тана жим, ўша чевар қўллар бедармон.* И. Раҳим, Ихлос. *У*[*Ў.Зокиров*] *овқатини ҳам юриб ейдиган жонсараклардан.* Газетадан.

ЖОНСАРАКЛИК Безовталик; серҳаракатлик, тинчимаслик. *Турсунбой эшик ҳалқасини шошиб илди-да, жонсараклик билан ичкари уйга қараб югурди.* С. Аҳмад, Уфқ. -*Хўп бамаъни одам-у, шунақа жонсараклиги борда, – деди ота, тайёр ошни ташлаб кетган раисдан нолиб.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЖОНСИЗ 1 Ҳаёт аломати йўқ, ўлик. *Колхозчилар югуришиб келганларида, Умурзоқ ота жонсиз эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Менглибой энгашиб, жонсиз қўзичоқни қўлига олди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Ҳаракатсиз қотган, ҳеч нарса ифода этмайдиган; беҳуш, карахт. *Жонсиз чеҳра.* ▬ *Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир суратга киргизди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Отабек ота-ана орзусига, ўз таъбирича, жонсиз ҳайкал бўлиб ризолик берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Кучи йўқ, кучсиз; бўш, чидамсиз; нимжон. *Жонсиз ип.* ▬ *Мурзин унинг паришон сочларини, нозик бўйнига ёпишган майин, жонсизгина соч толаларини томоша қиларди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 *кўчма* Зерикарли, руҳсиз, таъсирсиз; шавқ-завқсиз. *Жонсиз спектакль. Мажлис жуда жонсиз ўтди.*

5 *кўчма* Сукутга чўмган, жимжит. *Жонсиз кўчалар.* ▬ *Узоқларда жонсиз кўринган Овуллар ҳам йиғлаб ухлаган. Саҳар туриб шўрли хотинлар «Тангрим».. деган, тўлиб йиғлаган.* Ҳ. Олимжон.

ЖОНСИЗЛАНМОҚ Ҳаракатсиз қотмоқ; тириклик нишонасини йўқотмоқ. *Салимбойваччанинг ранги оқариб, кўзлари*

қўрқувдан бир лаҳзада жонсизланди. Ойбек, Танланган асарлар. *Совуққа чидамли Йўлчи ҳам, эгни юпун бўлганидан, оёқларининг жонсизланганини, гавдасининг бужмайганини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОНСИЗЛАНТИРМОҚ 1 Жонсизланмоқ фл. орт. н.

2 *тиб.* Этини ўлдирмоқ, аъзонинг бирор ерини оғриқ сезмайдиган қилмоқ. *Укол билан баданни жонсизлантирмоқ.*

ЖОНСИЗЛИК Нимжонлик, кучсизлик. *Ипнинг жонсизлиги билинди.*

ЖОНСЎЗ [*ф.* جانسوز – жонни куйдирувчи, азобкаш] Ўта таъсирчан, таъсирли. *Етмиш байтдан иборат бу қасида, устод Айний сўзлари билан айтганда, адабиётимиз тарихидаги энг жонсўз марсиядир.* «ЎТА».

ЖОНСЎХТА [*ф.* جانسوخته – жон (ни) куйдирувчи] Ёқимли, ўзига тортувчи. *Кампир деб жудаям кампир эмас эди-ю, лекин каттароқ бир жонсўхта хотин эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЖОН-ТАН, **жону тан** *қ.* **жон-дил**. *Номим Али, касби-рўзим сартарош, Жону таним – санъат, ўзим – сартарош.* Т. Тўла.

Жон-тан билан *айн.* **жон-дил билан**. *У сени жон-тан билан яхши кўради.* ▬ *Ҳар янги ишга қучоқ очиб, жону тан билан киришадилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЖОНФИДО [жон + фидо] Ҳаётини фидо қилувчи, ҳаётини бағишловчи. *Онам енг шимариб, ушатмоқда нон, Доимо меҳрибон, доим жонфидо.* Миртемир.

ЖОНФИДОЛИК Ҳаётини фидо қилишлик. *Санъат жасорат, жонфидолик билан.. тинимсиз меҳнат-машқлар билан дунёга келади.* «Саодат».

ЖОНҲАЛАК [жон + ҳалак] Қийналган, безовта, овора. *Икки ҳафтадирки, рассом мольберт олдида бесамар, жонҳалак.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ЖОН-ҲОЛ Бутун бадани, тани. *Сени ўйлаб, жон-ҳолим оғрир, Сени ўйлаб, қондир ўйларим.* Р. Парфи, Кўзлар.

Жон-ҳолига қўймай Ҳол-аҳволига ва эркига қарамай, мажбуран. *Бормасангиз, сира иложи йўқ, деб жон-ҳолига қўймай, зўрлаб розилик олиб кетди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин.

ЖОРИЙ [*а.* جارى – югураётган; ўтаётган, бораётган] Ҳозирги кунда, пайтда содир бўлаётган, давом этаётган, олиб бораётган; амалдаги, кундалик. *Хонани ижарага олган киши, шартномага биноан, уни яхши сақлаши, жорий ремонт қилиши лозим.* Газетадан. *Шу кунгача кўплаб мактаблар капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.* Газетадан.

Жорий этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) 1) амалга оширмоқ, кучга киргизмоқ. *Алмашлаб экишни тўла жорий этдик.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) татбиқ этмоқ, қўлламоқ, ёймоқ. *Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилмоқ.* ▬ *Чорвачиликда коллектив пудратни кенг жорий қилиш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.* Газетадан.

ЖОРИЯ [*а.* جاريه – асира, чўри; оқсоч] *эск.* Чўри, оқсоч. -*Мен ахир отам томонидан эски кийим-кечаклари қаторида ютқизилган, қиморбознинг мулкига айланган жория эдим, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бундан уч ой муқаддам Маликул шароб қул бозоридан ўн беш-ўн олти яшар бир жория сотиб олган эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

ЖОСУС [*а.* جاسوس – айғоқчи; хуфия; хабарчи] Бирор давлат ҳақида махфий маълумот тўплаш билан шуғулланадиган шахс; айғоқчи, шпион. *Шайбонийхоннинг жосуслари кўплиги унга* [*Бобурга*] *маълум эди.* П. Қодиров, Юлдузли кунлар. *Адолат постга келиши билан командир айтган парашютчилар, жосуслар ҳақида ўйлай бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЖОСУСЛИК Махфий маълумот олишлик; айғоқчилик, шпионлик. *Қовоғи қалин бекнинг жосуслик қилишдан мақсади ҳам шу эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ватанга хиёнат қилиш, жосуслик.. террористик акт, қотиллик ҳамда бандитизм каби жиноятлар учун ўлим жазоси берилиши мумкин.* Газетадан.

ЖОҲИЛ [*а.* جاهل – нодон, ўқимаган, билимсиз] Жаҳолатда қолган, илм-маърифатдан маҳрум; қолоқ, маданиятсиз, нодон. *Жаҳл – жоҳилнинг қуроли.* Мақол. ▬ [*Қози элликбошига:*] *Сиз аралашмай туринг, элликбоши, жоҳилсиз. Тўмтоқ гапириб, ишнинг пачавасини чиқардингиз!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Сўфиев нодон, жоҳилгина бўлмай, ўзига хийла ишонган ғирром ҳам эканлиги кўриниб турарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЖОҲИЛЛИК Нодонлик, қолоқлик, маданиятсизлик; ўжарлик. *Жоҳилликдан жон*

чиқар, қобилликдан донг чиқар. Мақол. ▬ *Хон илгари ҳам бу ўғлини бот-бот ўйлаганда, худбинлиги, жоҳиллиги, оний ҳаловати учун юз одамнинг баҳридан ўтишдан тоймаслигини биларди.* С. Сиёев, Аваз.

ЖУББА [*а.* جبّه – кенг енгли устки кийим] *шв.* Кўйлак бичимида тикилган пахтали иссиқ кийим. *Кишилар қишнинг оғир юклари: пўстин, пахталик, чопон, жуббаларни ташлаб, ўзларини эркин ҳис эта бошладилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЖУВДА I *шв.* Туянинг бўйни ва тиззасидаги жун.

ЖУВДА II *шв.* Болтанинг соп ўрнатиладиган томони.

ЖУВОЗ [*ф.* جواز – ёғоч ёки тош ўғир] **1** Ўсимликлар уруғидан, хусусан, чигитдан мой чиқарадиган қурилма; мойжувоз. *Жувоз ҳайдамоқ. Отни жувозга қўшмоқ.* ▬ *Жувозга қўшилган эшакка бир боғ хашак билан бир челак сув бўлса бас.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Қўшни ҳовлидан чучитилган жувоз мойининг иси келади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Шоли оқлайдиган қурилма; обжувоз.

ЖУВОЗКАШ [*ф.* جوازکش – жувоз тортувчи] **1** Жувоз ҳайдовчи, жувозхонада (обжувоз ёки мойжувозда) ишловчи ишчи. *Жувозкаш дарвозани ичидан занжирлаб олди.* Т. Мурод. Қўшиқ. *Асқар жувозкаш деса, ҳамма танийди.* Н. Фозилов, Оқим.

2 Жувозга қўшиладиган. *Жувозкаш от.*

3 Тирикчилиги, даромади асосан мойжувоз устида бўлган шахс, мойжувоз эгаси. *Йўлчи уни* [*Шоқосимни*] *бир жувозкаш майда бойга хизматкорликка – унинг жувозини ҳайдовчи сифатида ўрнаштирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖУВОЗКАШЛИК Жувоз ҳайдаш билан шуғулланиш, жувозда ишлашлик. *У [Али тошбақа] жувозкашлигу қоровулликдан ташқари қассоблик ҳам қилади.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Қулунтой ҳам унга қилиб эски эшлик, Ўргатибдир Кўканчага жувозкашлик.* Ғ. Ғулом.

ЖУВОЗХОНА Обжувоз ёки мойжувоз ўрнатилган жой, бино. *Ҳури ҳам истабми, истамайми жувозхонага тез-тез кириб турадиган бўлиб қолди.* Н. Фозилов, Оқим.

ЖУВОЛДИЗ [*ф.* جوالدوز – халта, қоп тикадиган игна] Қоп тикиш учун ишлатиладиган йўғон, эгик игна. *Сўнгра латтага ўралган иккита жуволдизни ердан олиб, иккаласини теракка санчди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ўктам.. супачада ўтириб, жуволдиз билан йиртиқ қоп-қанорларни тикаётган кампир қошига келди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЖУВОН [*ф.* جوان – ёш; умрининг ярмига ҳам етмаган одам ёки ҳайвон] **1** Эрга чиққан, аммо ҳали ёш аёл. *Тўхта хола атрофга олазарак қараб турган эди, ўрта яшар бир жувон келиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ёши ортиб бораётган ҳар бир қиз, ҳар бир жувон сингари, Тўрахон ҳам бола кўришни хоҳлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Эрдан чиққан ёки тул қолган хотин. [*Қутидорнинг*] *Борди-келди битта жувон қизи бор-ку, мунча, тўйни бошқа, никоҳни бошқа қиламиз, деганига ҳайронман* [*деди биринчи киши*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жувон олмай, қиз олинг: Қизнинг қилиғи яхши.* «Оқ олма, қизил олма».

3 Иффатини йўқотган қиз. *-Қизми, жувонми, Гулнорми – бар бир, мен дадамнинг ёш хотин олишини хоҳламайман, – деди Салим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖУВОНА [*ф.* جوان – куртак; ёш] *шв.* Икки-уч яшар қорамол; новвос. *-Инсоф қилинг-да, Раҳим ака, – деди, – буни сиз жувона дедингиз, жувона эмас, олти яшар бўлган катта ҳўкиз.* С. Айний, Қуллар.

ЖУВОНБАХТ [*ф.* جوان‌بخت – бахтли] *эск.* Бахтли, бахтиёр; толеи баланд, омадли.

ЖУВОНБОЗ [*ф.* جوان‌باز – ёш бола билан ўйновчи] *фольк.* Баччабоз, болабоз, бесоқолбоз. *Тушибсан кўп гозиргоннинг қўлига, На ишлар айладинг тоғнинг чўлига, Қайтиб тушдинг жувонбозлар қўлига, Озод бўлдинг, энди кетгин элингга.* «Эрали ва Шерали».

ЖУВОНБОЗЛИК Баччабозлик, бесоқолбозлик. [*Аҳмадхон:*] *Ўзлари мўйсафид экан, даргоҳидан беумид экан, эшонман деган ғалат экан.. жувонбозлиги зиёд экан, – деб яна қоча бошлади.* Ислом шоир, Зулфизар билан Авазхон.

ЖУВОНЛИК *кам қўлл.* Ёш аёллик, ёшлик. *Ҳамма ерда фақат Шаҳзоданинг чиройи, дилбарлиги, тамтам жувонлиги ҳақида гап бориши керак.* К. Яшин, Ҳамза. *Унда жувонлик кўрки барқ уради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЖУВОНМАРГ [*ф.* جوان‌مرگ – ёш, бевақт ўлган] **1** Ёш ўлган, авжи етилган пайтида ҳалок, нобуд бўлган. [*Гули:*] *Жувонмарг ғунчани ҳам эсла, ёд эт. Унутма, доимо ру-*

ҳимни шод эт. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 *қарғ.* Ўлгур, ер ютгур [*Ҳожар Тўлахонга:*] *Ҳа, жувонмарг, холангга нима дединг?* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бирорта камбағалга тегса, унинг ёнида оёқ яланг қўш ҳайдарди бу жувонмарг!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Жувонмарг бўлмоқ 1) ёш ўлмоқ, ёш ҳалок, нобуд бўлмоқ. *Мени бу балодан халос қилинг. Ёшман, бемаҳал жувонмарг бўлиб кетмай.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) *кўчма* барбод бўлмоқ, бекор кетмоқ. **Жувонмарг қилмоқ** 1) бадном қилмоқ. *Лекин лабз (лафз) деб бировни жувонмарг қилиш ҳам инсофдан эмас-да?* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса; 2) барбод қилмоқ, йўқ қилмоқ. *Ўқишини жувонмарг қилсак, уволига қоламиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖУВОНМАРД [*ф.* جوانمرد – олижаноб, мард киши; олижаноб, мард] *эск.* **1** Мард, ботир, довюрак.

2 Олижаноб, олиҳиммат, ҳотам.

ЖУВОНМАРДЛИК 1 Мардлик, ботирлик, довюраклик.

2 Олижаноблик, ҳотамтойлик.

ЖУВОРИ *фольк.* Жўхори. *Кесганда жуворини, поя бўлур, Бошингга битта рўмол соя бўлур.* «Оқ олма, қизил олма».

ЖУВОНСЎХТА [*ф.* جوانسوخته – ёш куйган, қовжираган] *қ.* **жувонмарг 2**. [*Гулнор Мастурага:*] *Жувонсўхта Норбойваччанинг мунчаям иқболи баланд экан.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ЖУДА *рвш.* Ортиқ, ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари, ғоят; ниҳоятда, бениҳоя. *Сиз жуда қийиқ, жуда ўжар йигит экансиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу масала жуда тўғри ва ўз вақтида қўйилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Жуда бўлмаганда (*ёки* **бўлмаса**) *айн.* **ҳеч бўлмаганда** *қ.* **ҳеч 1**. **Жуда бўлса** (*ёки* **деганда**) Ортиғи билан, нари борса. *Самарқандгача жуда бўлса 400 километр.*

ЖУДАЯМ [*асли* **жуда ҳам**] *рвш. қ.* **жуда.** *Кўкбулоқни ҳам тозаласак, жудаям соз бўларди, нима дейсиз?* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Ўшанда Дилфузанинг унга жудаям раҳми келганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖУДО [*ф.* جدا – алоҳида; ажратилган, ажралган]: **жудо бўлмоқ** 1) бирор кимса ёки нарсадан айрилмоқ, маҳрум бўлмоқ; жудоликка учрамоқ. *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Мен бир оёғимдан жудо бўлдим-у, аммо юзлаб гўдакнинг жони саломат қолди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи; 2) халос бўлмоқ, айрилмоқ. *Боши танидан жудо бўлди.* **Жудо қилмоқ** (*ёки* **этмоқ, айламоқ**) 1) бирор кимса ёки нарсадан айирмоқ, маҳрум қилмоқ. *Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомид экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) халос қилмоқ, айирмоқ. *Боиснинг қиличи душман солдатининг чап қулоғи тагига бориб тушди ва унинг калласини танидан жудо қилди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

ЖУДОЛИК Яқин кишилардан айрилишлик; айрилиқ, ҳижрон. *Оғир жудолик. Жудолик алами. Жудоликда яшамоқ.* ▬ *Биз узоқ жудоликдан кейин мусофир юртда учрашган ака-укалардай қучоқлашиб кетдик.* О. Ёқубов, Излайман.

ЖУЖУН(ЧА) [*хит.* «чу санча»] **1** Уст кийим учун ишлатиладиган қалин ипак газлама. *Бир костюмлик жужунча.* ▬ *Баззозлар ипак жужун харид қилар эдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Шу матодан тикилган. *Жужунча шим.* ▬ *Залдан оқиш жужунчадан костюм кийган Давронов аста тебраниб чиқиб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖУЖУҚ *шв.* Ёш бола; гўдак. *Ва оналар кўксин тутгач, Жужуқлар сут эма бошлар он.* Х. Даврон, Қақнус. *Айланиб, уйда қолган жужуқларига қанд-қурс, ҳолва, пуфак олмоқчи бўлди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ЖУЗ, ЖУЗВ [*а.* جز، جزء، جزو – қисм, улуш; Қуръоннинг ўттиздан бир қисми] **1** *эск.* Қисм, улуш, ҳисса. *Инсон ҳаётдан қилган талабнинг бир жузинигина олади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Гилам устида жуз-жуз.. қоғозлар ётарди.* Ойбек, Навоий.

2 Ёзув қоғозининг метрик тизимда эллик тахта (муайян ўлчамдаги варақ) га тенг ўлчов бирлиги.

3 Тикилган дафтар ёки китоб варақларининг ҳар бир маҳкамланган қисми. *Дафтарнинг варақлари жузидан чиқиб кетган, йиртилиб тушган. Бошқа бирон жойда лекция ўқилганда чалкашган бўлса керак, лектор лекциянинг бош-кетини тополмай, хийла овора бўлди.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон.

ЖУЗВДОН *эск. айн.* **жуздон.**

ЖУЗГИР [жуз + *ф.* گیر – тутиб, ушлаб турувчи] *эск. қ.* **жуздон**. [*Ноиб*] *Ўз жузгиридан қоғоз ва қаламдонидан қалам чиқариб, Ҳамро рафиққа қараб сўради.* С. Айний, Судхўрнинг ўлими. *Муқимий кулумсираб, жузгир орасидан бир қоғоз чиқариб берди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЖУЗДОН [жуз, жузв + *ф.* دان – бирор нарса сақланадиган жой, идиш маъносидаги отлар ясовчи қўшимча] Қоғоз, хат-ҳужжатлар солиб қўйиладиган, чармдан, мато ёки картондан ясалган жилд, халта ёки муқова. *Бу қоғозни алоҳида жуздонга солиб қўйди.* Ойбек, Навоий. *Худайчи лип этиб чиқиб кетди, салдан кейин жуздон, патқалам, катта қуръон олиб кирди.* С. Сиёев, Аваз.

ЖУЗЛАМОҚ *эск.* Қоғоз, китоб варақларини жуз-жуз қилиб тахламоқ ёки тикмоқ.

ЖУЗЪИЙ [*а.* جزئی – қисм, бўлакка оид; оз, кам] Унчалик муҳим ва жиддий бўлмаган; арзимаган, аҳамиятсиз; майда-чуйда. *Жузъий хато. Жузъий камчиликлар.* ▬ *Кўрсатилган баъзи жузъий камчиликлар монографиянинг илмий қимматига салбий таъсир қилмайди.* «ЎТА». *Жузъий масалалар устида тўхталиб ўтмоқчи эмасман.* Газетадан.

ЖУЗҒУН Торонгуллилар оиласига мансуб ўсимлик. *Тупроқ шу чўлда ўсаётган саксовул, черкез, жузғун, илоқ ва кандил таъсирида ўзгариб туради.* «Фан ва турмуш».

ЖУЙРУК *шв.* Чопқир, учқур, югурик (от ҳақида).

ЖУЛ 1 *от* Қўлда тўқилган дағал жун мато. *Бир чакмонлик жул.*

2 *сфт.* Шу матодан қилинган. *Жул чакмон. Жул қоп. Жул арқон.* ▬ *Омон бояги жул арқонни ўликнинг ҳар икки оёғига тўпиғидан маҳкам сиртмоқ солиб боғлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 *фольк.* От ёпиғи, ёпиқ. *Бизнинг қўлда тулпор отлар боқилсин, Сулувланса, бахмал жуллар ёпилсин.* «Нигор ва Замон». *Ака, отинг уч яшар, Ўрама жуллар ярашар.* «Оқ олма, қизил олма».

ЖУЛДУР Кийилавериб ёки тутилавериб дабдаласи чиққан кийим. *Унинг* [*Набининг*] *қаршисида ўзи каби жулдур кийимли бола ўтирар эди.* «Шарқ юлдузи». *Бойнинг қўрасига келган, чўп-устухон бўлиб қолган жулдур кийимли деҳқонларни кўриб, юрагим эзилар, гирдиғум бойни кўриб, ғазабнок бўлар эдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЖУЛДУРВОҚИ *с. т.* **1** Жулдур. *Жулдурвоқи кийимда у кўпроқ саёқ гадойга ўхшарди.* «Ёшлик».

2 Жулдур кийим кийган. *Жума куни ўзи сингари ялангоёқ, жулдурвоқи қўшни болаларни эргаштириб, кенг далага олиб чиқар, улар билан ўқ отишарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЖУЛПАТ *шв.* Патли гилам. *[Тоғбеги] Соясида иккита одам ўтирадиган бўлиб қолган самбиттол остига эски жулпатни тўшади.* Н. Қобил, Унутилган соҳилар.

ЖУЛХИРС [жул + *ф.* خرس – айиқ] *айн.* **жулпат.**

ЖУМА [*а.* جمعه – ҳафта; бешинчи кун] **1** Ҳафтанинг, душанбадан ҳисоблаганда, бешинчи куни. *Бугун жума.* ▬ *Урушдан ярадор бўлиб келган Содиқжон деган йигит ўтган жума куни самоварга келиб, урушда кўрганларидан анча гапириб берди.* А. Қаҳҳор. Асрор бобо.

2 Бир қатор мусулмон мамлакатларида ҳафтанинг олтинчи, дам олиш куни. [*Йўлчи*] *Вақт-соат, жума, байрам, ҳайит нима эканини билмасдан ишлади.* Ойбек. Танланган асарлар.

3 Шу куни ўқиладиган намоз. *Ошни еб бўлганларида, у ёқ-бу ёқдан жума товуши кела бошлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Жума (эркаклар исми).

ЖУМАК *шв.* Жўмрак.

ЖУМАЛИК *тар.* Жума куни муносабати билан ўтказиладиган турли маросимлар. *Бу кун жумалик қилиб чиққан эдим* [*деди Қамбар*]. Ойбек, Танланган асарлар. *Тошкентдаги жумалик гап мажлисларидан бирида бир киши Азизбекни мақтар ва бу мақтовга қарши иккинчиси: «Нега мунча мақтайсан, Азизбекнинг асли бир бачча-да!» – дер.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖУМАРД *фольк. қ.* **жувонмард 1.** *Йўқчилик жумарднинг кўзин ўяма? Қўлингдан келганин қилгин, аяма!* «Равшан».

ЖУМАҲШАНБА *с.т.* Пайшанба. -*Эрта жумаҳшанба, арвоҳларга ёқамиз, – деди чол Шум болага.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЖУМБОҚ 1 *қ.* **топишмоқ**. *Жумбоқ айтишни биласанми? Айтсам топасанми?– Билсанг, менга очиб бер-чи: пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор. Нима у?* П. Турсун. Ўқитувчи.

2 *кўчма.* Ечилиши, ҳал қилиниши керак бўлган масала; муаммо. *Ёшлар бу жумбоқни*

ечолмай ҳайрон бўлиб қолишди. П. Турсун. Ўқитувчи. *Баъзан жуда мураккаб жумбоқларни ечишга тўғри келади.* Газетадан.

ЖУМЛА [*а.* جمله – ҳамма; барча, жами; гап] **1** Тугал маъно ифодалайдиган сўзлар бирикмаси; гап. *Узун жумла. Содда жумла.* ▬ *Сана тагидаги очиқ жойга қалам билан ёзиб қўйилган қуйидаги жумлани ўқиди.* К. Яшин, Ҳамза. *Унинг* [*Суннатнинг*] *хати ўзидай шўх, ҳар жумладан ҳазил-мутойиба барқ уриб турар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *эск. айн.* **гап 1, 2**. *Сўроқ жумла.*

3 *фольк.* Бир турдаги нарса, ҳодиса ёки кишиларнинг ҳаммаси, барчаси; йиғиндиси. *Ўзингиз отасиз жумла кишига, Қутлуғ бўлсин сизнинг тахти пойингиз.* «Эрали ва Шерали».

Жумла(и) мўмин Ҳамма мусулмонлар. *Жумла мўмин йиғлагайдур, Рўзи қиёмат, қайдасиз?* Н. Аминов. Суварак. **Жумла(и) жаҳон** Дунёдаги барча кишилар; ҳамма, барча.

ЖУМЛАДАН *крш. с.* Айтилганлар ёки кўзда тутилганлар ичидан. *Ҳамма, жумладан, ўзим ҳам қотиб-қотиб кулдим.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ЖУМЛАСИДАН *қ.* **жумладан**. *Молдавия тупроғида фашистлар билан жанг қилган бир неча қаҳрамонларнинг, шулар жумласидан Нарзи Ражаповнинг номини тилга олдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖУМОДИЛАВВАЛ [*а.* جمادیالاوّلی – бешинчи ой] Қамария йил ҳисобида бешинчи ойнинг арабча номи. *Ойлар жумодилаввал, зулқаъда деган номлар билан аталади.* «Фан ва турмуш».

ЖУМОДИЛОХИР [*а.* جمادیالاخری] *айн.* **жумодиссони(й).**

ЖУМОДИССОНИ(Й) [*а.* جمادیالثّانی – олтинчи ой] Қамария йил ҳисобида олтинчи ойнинг арабча номи.

ЖУМРУШҚА Дуккаклиларга мансуб, молга ем-хашак бўладиган, асалга бой бир йиллик, баъзи турлари икки йиллик ўсимлик.

ЖУМУР 1 *шв.* Қориннинг бир бўлаги, ширдон; қорин, ошқозон.

Жумуримга юқ бўлмади Қорнимга юқ ҳам бўлмади, тўйдирмади (жуда кам овқат ҳақида).

2 *фольк.* Баъзи достон ёки эртак қаҳрамонлари ўзини танитмаслик мақсадида кал бўлиб кўриниш учун қўй қорнининг тескари томонидан ясаб олган қалпоқ. *Бошида жумури, танида жанда.* «Нигор ва Замон».

ЖУМЪА *эск. қ.* **жума**. *Бозоргача етганда, теваракдан жумъа азони эшитилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖУМҲУРИЯТ [*а.* جمهوريّت – халқ, омма; республика] *қ.* **республика**. *Олимжон Арслонов Бухоро.. жумҳуриятининг мухтор вакили.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЖУН 1 Ҳайвон ёки кимса баданини қоплаган қалин тук, мўй, юнг. *Жуни майин қўй. Қўйларнинг жунини олмоқ. От ағнаган ерда жун қолар.* Мақол. ▬ *У қўрага кириб кетдида, жунлари ўсиқ, ориқ бир эчкини етаклаб чиқди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хон бўксасини кўтарди, туя жунидан қилинган юмшоқ болишга суянди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Асосан қўй, эчки, туядан қирқиб олинган шундай юнг, мўй. *Титилган, савалган жун.* ▬ *Профессорнинг ҳар бир сўзи унинг учун тилладай қимматбаҳо.. Йўқ, ипакдай майин ғарам-ғарам жун олиш тилсимининг калити эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Жундан тайёрланган уй-рўзғор буюми. *Хотин бошидаги жун рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бола-чақа пўстакнинг жунини ейдими? *дағл.* «Оила аъзолари таъминотини ҳам ўйлаш керак» деган маънода ишлатиладиган ибора. *Касал бўлиб қолсам, нима бўлади? Бирон офат келиб қолса, нима бўлади? Бола-чақа пўстакнинг жунини ейдими? ..Акам бўлмаса, укам бўлмаса.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖУНБИШ [*ф.* جنبش – ижтимоий ҳаракат; ҳаракатланиш, қимирлаш]: **жунбишга келмоқ** (*ёки* **кирмоқ**) 1) ҳаракатга келмоқ, ҳаракатланмоқ. *Бу азамат иш бошланиши билан бутун водий янги бир жунбишга киради.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) *кўчма* қўзғалмоқ, қайнамоқ. *Муфтиларни кўриши ҳамоно нафрати жунбишга кирган Султоналининг бу ҳолдан таажжуби ортиб, Анварга қаради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖУНГЛИ [*ингл.* jungle < *ф.-ҳинд.* جنگل – чангалзор, ўрмон] Чакалак, қалин ўрмонзор. *Ҳиндистоннинг қорамтир чангалзорларини, қалин бамбукзорларини, яъни жунглини кўриш учун эрталаб йўлга чиқиш маъқуллигини айтишди.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Қараса, жунглида тўти сайрамас, Жунглида илондай ҳуштак чалар ўқ.* А. Мухтор.

ЖУНЖАЙМОҚ *қ.* **жунжимоқ**. *Ҳасанали ярим яланғоч ҳолда жунжайиб, дарича остида, изғириқ қучоғида ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖУНЖИКМОҚ Совуқдан ёки иситмали касалликдан эти увушиб қалтирамоқ, букчаймоқ. *Мақсадимиз хонақоҳнинг бир бурчагида жунжикиб ўтириб, кўзларимизни илинтириб олмоқ эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Хомуш тортиб, жунжикиб қўйди шамол, Бир узим узумнинг юзлари сўлди.* Р. Парфи, Тавба. *Эрталаб ва кечқурунлари салқиндан одамнинг эти жунжикадиган бўлиб қолди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЖУНЖИМОҚ *қ.* **жунжикмоқ**. *Жумабойнинг эти хиёл жунжиди.* Ж. Абдуллахонов, Хазина ғойибдан келмас. *Айвонларда оёқ учларини танчага зўр-базўр тиқиб, жунжиб ўтирган хотинлар..* Ойбек, Танланган асарлар. *Лейтенант чарчоқ, очлик ва совуқдан жунжиган жангчиларга мурожаат этган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЖУНУН [*а.* جنون – жиннилик, телбалик] **1** Жиннилик, ақлдан озганлик. *Зайнабнинг жунуни қозилар ва табиблар тарафидан ҳам тасдиқ этилгач, унинг устидаги жазо кўтарилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лаълининг жунуни тарқаган бўлса ҳам, ҳали яхши соғайиб кетмаган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Жинни; жиннилар. *Тоғу тошда жунунлардек чопмасдан, Гўзал қизлар ё келинлар меҳнатда..* Ғайратий.

ЖУНУНВАШ [*а.+ф.* جنونوش – жиннига ўхшаш] Жинни табиатли. *Ўлтиришар икки жунунваш, Икки жаҳон билмаган жаҳон.* Р. Парфи, Кўзлар.

ЖУНҒОРЛАР Хитойнинг шимоли-ғарбида яшовчи халқ. *Жунғорлар даф бўлмайин, келур бўжилар, Келгиндига кенг-мўлу бизга тор бўлди.* Миртемир.

ЖУРМ [*а.* جرم – гуноҳ; жиноят] *эск.* Гуноҳ, айб; хато. *Одатда муножотда муаллиф ўз журм-хатолари учун узр сўрайди, тавба қилади.* «ЎТА».

ЖУРНАЛ [*фр.* journal – газета; кундалик дафтар] **1** Китобча ёки мажмуа шаклида белгили вақтда чиқиб турадиган даврий нашр. *Ойлик журнал.* ▬ *Журнал ишига обдан берилиб кетдим.* М. Жўра,Ноширнома. *Стол устида янги газета, журналлар.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

2 Кундалик иш, воқеа, ҳодиса ва ш.к. ёзиб бориладиган қайд дафтари. *Кирган, чиққан хатлар журнали.* ▬ *Ўқитувчилар синф журналларини кўтаришиб, синф-синфга тарқаб кетишди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЖУРНАЛИСТ Даврий матбуотда адабий-публицистик мақолалар билан қатнашувчи адиб, матбуот ходими. *Шариф Ризаев журналист, ёзувчи ва раҳбар сифатида гўзал фазилатларга эга эди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Ўша кезларда мендек ёш журналист учун ҳар бир янгилик олам-олам қувонч эди.* М. Жўра, Ноширнома.

ЖУРНАЛИСТИКА 1 Журналистлик касби, журналистлик иши. *Журналистикани яхши эгалламоқ.* ▬ *Журналистика шу қадар оммавий, айни вақтда шу қадар ёқимли ишки, шу касбнинг соҳиблари доимо юртнинг фикри-зикрида яшайдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Газета ва журнал фаолиятига оид фан тармоғи. *Кейинги йилларда ўзбек адабиёти ва журналистикасига жуда кўп талантли ёшлар кириб келдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ЖУРНАЛИСТКА Журналист аёл.

ЖУРНАЛХОН [журнал + *ф.* خوان – ўқувчи] Журнал ўқувчи. *«Фан ва турмуш» журналининг асосий вазифаси ва хизмати журналхонларни билим чашмасидан кўпроқ қондиришдир.* Газетадан.

ЖУРЪАТ [*а.* جرأت – мардлик, жасорат] **1** Хавф-хатар, қийинчиликлардан ҳайиқмай қилинган иш; жасорат. *Қалбингизда бўлсин журъат, ирода, Кундан-кунга ғайратингиз зиёда.* Ҳабибий. *Бувинисо кўнглидагини очиқ айтишга журъат қилолмай: -Мен.. мен бир илож қилардим-да, – деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Журъат (эркаклар исми)

Журъат қилмоқ (*ёки* **этмоқ, кўрсатмоқ)**. Қўрқмасдан, ҳайиқмай, юрак ютиб ҳаракат қилмоқ. *Аммо негадир йигитлардан биронтаси журъат этиб, Зарифага яқинлашмас, дилидагини айтолмас эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЖУССА [*а.* جثّه – мурда; тана] Тананинг ташқи бичими, умумий кўриниши; гавда, сумбат, қадд-қомат. *Жуссаси келишган йигит.* ▬ *Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганликдан, бўйи ҳам она-*

сига етаёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йигитнинг юриши ҳам жуссасига мос, салмоқли эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Эрталаб редакцияга жуссаси кичик қотмагина бир аёл кириб келди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ЖУССАДОР [*а.+ф.* جثّه‌دار – муайян жуссага, гавдага эга бўлган] Гавдаси катта, йўғон, барваста, норғул. *Менинг набирам ҳам сенга ўхшаб, Аскарликда хизмат қилади. Сенга ўхшаш жуссадор, норғул, Омон деса, ҳамма билади.* Уйғун. *Тўй столининг тўрида ўтирган жуссадор куёв парвойи фалак.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ЖУССАЛИ 1 *айн.* **жуссадор.** *Дилдор баланд бўйли, жуссалигина, бутун андоми ўзига келишган.. қиз эди.* Ойбек, Навоий.

2 Аниқловчи орқали ифодаланган гавда, жуссага эга бўлган. *Йўғон жуссали одам.* ▬ *Янги командир.. нозик юзли, кўзлари сузук, кичкина жуссали, ўттиздан ошмаган йигит.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЖУТ [*ф.* ژوت – жут дарахти ва толаси] Жўкадошлар оиласига мансуб, толасидан дағал мато, арқон тўқиладиган бир йиллик ўсимлик. *Республика жут ва каноп етиштириш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.* Газетадан.

ЖУФАЙ *рвш.* Жуфт ҳолда, жуфт бўлиб. *Тоғлардаги оҳулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖУФТ [*ф.* جفت – иккита, қўшалоқ бир хил нарса] **1** Бир хил вазифага мўлжалланган, бир бутунлик, комплект ҳосил қиладиган иккита ўхшаш нарса, буюм. *Бир жуфт этик. Бир жуфт ҳўкиз.* ▬ *Бобоқул.. кунига яраб турган бир жуфт эчкисию кафтдай келадиган еридан ҳам айрилиб, бутунлай хонавайрон бўлиб қолибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *[Бой ўз-ўзига:] Бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офатижон фариштами? Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Рафиқ ёки рафиқа; эр ёки хотин, нар ёки мода (бир-бирига нисбатан). *-Жуфтингни қанотинг остига олиб уча кет, лочин! Бу ерда турма! – деди-да, Қора Аҳмад бир томонга чекилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳеч ким қариган чоғида жуфтидан қолмасин.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *Кенг осмон қаърида сузиб юрган каттагина бир қуш ўз жуфтини кутиб, гир айланади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Доим бирга бўладиган, ҳамроҳ, ёнма-ён. *Йўқ, бахт ҳам, бахтсизлик ҳам жуфт бўлади, дейишгани рост экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Иккига қолдиқсиз бўлинадиган (бутун сонлар ҳақида); *зид.* **тоқ.** *Жуфт сонлар. Жуфт номерли уйлар.*

5 Икки дона, иккита. *Бир жуфт тухум. Ўн жуфт данак.*

6 *кам қўлл. айн.* **жўра** II**.** *У киши келинингизга икки жуфт атлас олиб келган эканлар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Жуфт бўлсин Ижро этилган мусиқа, ашула, рақс маъқул тушганда, «яна бўлсин» деган маънодаги ибора. *Улар эгилиб салом бериб, жойларига қайтаётган эди, қарсак янграб, одамлар «жуфт бўлсин!» деб қичқира бошладилар.* И. Раҳим, Ихлос. **Жуфт кучлар** *физ.* Бир жисмга қўйилган, қиймат жиҳатидан бир-бирига тенг, аммо қарама-қарши йўналган икки куч. **Жуфт сўзлар** *тлш.* Бир лексик маънони ифода этадиган, дефис орқали ёзиладиган икки компонентли сўзлар. **Жуфт тушган** Хил тушган, иккови бир хил (феъли-атвори, юриш-туриши бир хил иккита одам ҳақида). **Жуфти ҳалол (***ёки* **пок)** Қонуний эр-хотин. *Бундай одамга жуфти ҳалол бўлиш учун ҳар қандай қиз дарҳол ризолик берар, деб ўйлайман* [*деди шайх*]. К. Яшин, Ҳамза. **Юлдузи жуфт тушган** Бир-бирига мос, бир-бирига ёққан (икки одам ҳақида).

ЖУФТАК I [*ф.* جفتک – кичик омбир] Нарсаларни қисиб ушлайдиган омбирсимон асбоб; қисқич (мискарлик асбоби). *Орадан бир ҳафтача ўтгач, сув тортмай қолган тешикка йиғилиб қолган соч ва ипларни жуфтак билан қисиб олиб ташлади.* Мирмуҳсин, Умид.

ЖУФТАК II [*ф.* جفتک – икки оёқлаб тепиш, шатта отиш]: **жуфтак(ни) ростламоқ** (*ёки* **урмоқ, отмоқ**) Қочиб қолмоқ, орқа-олдига қарамасдан қочмоқ. *Омон менга қаради, мен «тағин бир бало бўлиб қолди шекилли» деб, аллақачон жуфтакни ростлаган эдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Немисларнинг уч танки бурқираб тутун чиқариб ёна бошлади. Қолганлари жуфтакни ростлади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЖУФТЛАМОҚ Бир-бирига яқин қўймоқ, шериги билан ёнма-ён қўймоқ; жуфт-

жуфт қилмоқ. *Калишларни жуфтламоқ.* ▬ *Замира қўлини олдига йиғиб, оёқларини жуфтлаб, омонатгина ўтирар, йўл юриб келгани, мароқли кутиш ва қандайдир ҳаяжон юзини чўғдай қизартирганди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Оғиз жуфтламоқ Гапиришга шай бўлмоқ, тайёр бўлмоқ. *Бу ҳақда солдатларга бир нима демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эдим, гумбурлаб снаряд ёрилди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Мен жавоб қайтаришга оғиз жуфтлаган эдим, Шоҳида оғзимдаги сўзимни юлиб олди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

ЖУФТЛАШМОҚ Жуфт бўлмоқ, жуфти билан қўшилмоқ.

ЖУФТЛАШТИРМОҚ 1 Жуфтлашмоқ фл. орт. н.

2 Никоҳламоқ, эр-хотин қилмоқ. *Сен эшитдингми, йўқми — билмадим, улар иккимизни жуфтлаштирмоқчи бўлиб, бу кун мендан киши орқали тўй вақтини белгилашни сўраган эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖУФТЛИК 1 Иккитадан иборат бўлган бутунлик (рақсда, спортда). *Муз устида А.Зайцев—Л.Пахомова жуфтлиги рақс тушмоқда.*

2 Жуфт-жуфт бўлиб яшаш. *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖУҒРОФИЙ *кам қўлл. қ.* **географик.** *Музей мулозими бизга ажойиб бир кашфиётни — Ҳиндистоннинг жуғрофий харитасини кўрсатди.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Умуман, ҳар учала романда тасвирланган жойлар: қишлоқлар, маҳаллалар, йўллар аниқ жуғрофий асосга қурилган.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ЖУҒРОФИЯ *кам қўлл. қ.* **география.** *Бу мактабларда ҳандаса, жуғрофия, риёзиётдан сабоқ бермоқдалар.* С. Сиёев, Аваз.

ЖУҒРОФИЮН *эск.* Географ. *Беруний.. Ўрта Осиё жуғрофиюнларининг асарларини ўқишга киришиб кетди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар. *Эски шарқ жуғрофиюнлари, сайёҳлари Осиё, Африка ва Европадан иборат бўлган қадим дунёни шарқдан ғарбга қараб тахминий етти баб-баробар хаёлий чизиқларга тақсим қиладилар.* «ЎТА».

ЖУҲУД *эск. айн.* **яҳудий**. *Биз жуҳуд, ўрис бойлар ва заводчиларни сиқиб чиқариб, савдо-сотиқ ва завод ишларини ўз қўлимизга олмоғимиз керак.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖЮРИ [*фр.* jury — ҳакамлар гуруҳи < *лот.* juro — қасам, онт ичаман; қасамёд қиламан] Мусобақа, танлов, кўргазма ва ш. к. да ғолибликни ва мукофот беришни белгиловчи мутахассислар, ҳакамлар гуруҳи. *Ҳурматли жюри аъзолари, лойиҳаларга «етти ўлчаб, бир кесиб» баҳо беринг, агар шошқалоқлик қилсангиз, одамлар кечиришмайди.* Газетадан.

ЖЎВА 1 Хамир ёядиган, ўрта қисми йўғон асбоб; кичик ўқлоғи. *Жўва билан хамир ёймоқ.* ▬ *Чиқинди тахта ва фанерлардан планшет, жўва, сабзи тахта.. каби рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.* Газетадан.

2 *тех.* Турли материалларни оралиқдан сиқиб ўтказиб юпқалаштирувчи, ёювчи асбобларнинг ғўла қисми. *Блюминг жўвалари. Чиғириқ жўвалари.*

ЖЎВАЛАМОҚ 1 Жўва билан хамир ёймоқ.

2 *тех.* Материалларни ёйиб юпқалаштирмоқ.

ЖЎҒАРИ *шв.* Жўхори. *Уйда емакка бир қисм жўғари қолмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЖЎГИ [*ф.* جوگی — йога таълимотининг издоши; йог] **1** Айрим ўзбек шеваларида: лўли.

2 *кўчма* Айёр, ҳийлагар.

ЖЎЖА [*ф.* جوجه — қушча, қуш боласи] **1** Товуқнинг ва баъзи қушларнинг боласи. [*Таманно*] *Андак ис босган деразадан ҳовлига қаради: ҳовли ўртасида қудуқ, нарироқда бир чипор товуқ ўн-ўн беш сариқ жўжаларини етаклаб юрибди.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.

2 *кўчма* Фарзанд, бола; гўдак. *Ғуломжон Матқовулни жўжалари билан даврадан етаклаб чиқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бир ўзимга саккиз жон қарайди: бева опам, унинг учта сағири.. ўзимнинг учта жўжам.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ЖЎЖАБИРДАЙ, -дек: **жўжабирдай жон** Кичик болалари, гўдаклари кўп одам ҳақида. *Жўжабирдек жонман, болам, улуғ биладилар: бир бева қизим уч боласи билан.. ўзимда тўрт бола.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. [*Мироб*] *Мунғайиб кўз ёши қилди: -Айб мендан ўтган. Жўжабирдай жонмиз.* С. Нуров, Нарвон.

ЖЎЖАЛАМОҚ Жўжа очмоқ, бола очмоқ.

ЖЎЖАХЎРОЗ Ёш урушқоқ хўроз. *Обид ҳам жўжахўроздек сапчиб турди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Зойиржоннинг қопқора юзи аламдан кўкариб кетган, ўтирган жойида жўжахўроздай бўйнини чўзиб гапирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖЎЖИЛАР [Чингизхоннинг ўғли Жўчи номидан] Мўғул босқинчилари. *Бу юрт кўп оёғости бўлди, хор бўлди. Қожарлардан қутулмай, келур жўжилар.* Миртемир.

ЖЎЙБОР [*ф.* جويبار – ариқ ва дарёлар кўп жой; ариқ] *фольк.* **1** Дарё, ариқ.

2 *кўчма* Кўз ёши. *Ғамни кўрган кишин жўйбори оқар, Адо бўлмас савдо тушди бошима.* «Эрали ва Шерали».

ЖЎЙМОҚ *шв. айн.* **йўймоқ** I. *-Сизга маълумки, халқ орасида ҳар нарсани ўзича жўядиган одамлар бор, – деди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЖЎКА Иқлими мўътадил мамлакатларда ўсадиган, барги юраксимон, хушбўй гулли дарахт.

ЖЎЛАК Қўй канаси.

ЖЎМАРД *қ.* **жувонмард 1.** *Жўмард жумҳуриятим, бобо юртим, ҳей, Жўмард жумҳуриятим, она сутим, ҳей!* Миртемир. *Бобурнинг шундай жўмард йигитнинг шаҳдини қайтаришга нима учундир раъйи бўлмади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ЖЎМАРДЛИК *қ.* **жувонмардлик 1**. *Мақола муаллифи Абдулланинг этигини ечиб ташлаб, ўзини дарёга отганини, жўмардлик билан одамларни халос этганини аниқ-таниқ ёзганди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЖЎМРАК 1 Турли асбобларнинг сув тушадиган қисми, тумшуғи, бурни. *Чойнак жўмраги. Обдаста жўмраги.* ▬ *Супа четидаги ўчоқда қоп-қорайиб, жўмраги кемтик қумғон қопқоқни кўтариб, биқир-биқир қайнарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Чойнак жўмрагидан оппоқ ҳовур кўтарилди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

2 Баъзи асбоб ва қурилмаларда сув тушиш йўлини очиб-беркитиб турадиган қисми; кран. *Самовар жўмраги. Жўмракни бурамоқ.*

ЖЎН 1 Паст навли, сифати паст, сифатсиз. *Жўн мол.* ▬ *Махдум ўйланиб қолди: -Бўлмаса, – деди иккиланиб,– жўнроқ адрасдан ол-чи!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Имтиёзли табақага мансуб бўлмаган; оддий, содда. [*Юсуфбек ҳожи:*] *Жўн одамлар қаторида одам ўлдириб юрдим, дегин?! – деди. -Жўн одамлар қаторида эмас, – деди [Отабек], – мажбурлар қаторида, зўрланганлар қаторида!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Паст савияли, бўш, заиф. *Жўн асар.* ▬ *Охирги саҳифа жўнроқ ёзилган экан.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Кеча юксак санъат намунаси бўлиб кўринган асар бугун кўзимизга жўн бўлиб кўринади.* «Шарқ юлдузи». *Айрим матбуот органлари илғорлар тажрибасини юзаки, жўн ёзмоқдалар.* Газетадан.

4 Унча мураккаб ва қийин бўлмаган; осон, енгил. *Маҳфуза Чилонзор районидаги 9-болалар касалхонасига ишга кирди. Вазифаси жуда жўн: ҳар куни уч-тўрт маҳал тайёр овқатларни палатама-палата юриб тарқатади.* Газетадан. *Ишнинг бу ёғи жўн кўчди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

5 *рвш. взф.* Бекор, шунчаки; бекорчиликка эрмак қилиб. *Қишлоқда жўн юрмай, бир балони бошимизга сотиб олган эканмиз.* «Очилдов». *Саидий бундай қилолмади, чунки ўқиш эмас, китобни жўн варақлаш ҳам уни толиқтирар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

6 3-ш. эгалик ва ж. к., ч. к. қўшимчалари билан кўм. взф. қўлланади (*қ.* **жўнига, жўнидан**).

ЖЎНАЛИШ: жўналиш келишиги *тлш.* «Кимга», «нимага» сўроқларига жавоб бўладиган келишик.

ЖЎНАМОҚ 1 Йўлга чиқмоқ, йўлга тушмоқ. *Поезд соат бешда жўнайди.* ▬ [*Йўлчи*] *Отга миниб, аравани гумбурлатиб жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 (*буйр. м. шаклида*) *унд.с. взф.* Йўқол, кет; кетсин. *Жўна, Шоқосим, чайлангга! Ҳозир атрофдан аёлларни топиб бораман. Уларсиз иш битмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бойваччалар жўнасин мардикорликка, бизга тинчлик керак!* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖЎНАШМОҚ I **Жўнамоқ** *фл. бирг. н. Қайнота-куёв апоқ-чапоқ бўлиб, извошда нотариусга жўнашди.* «Муштум».

ЖЎНАШМОҚ II Ривожланиб кетмоқ, юришиб кетмоқ, юришмоқ. *Иш жўнашиб кетди. «Ҳа-ҳу» дегунча кафанни ҳам кўкладик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЖЎНАҒАЙ *фольк.* Тоғда ёлғизоёқ оғир йўл. *Юрган йўлинг адир эмас, жўнағай.* «Алпомиш».

ЖЎНГ *фольк.* Бир ўркачли туя. *Бўта ўлса, жўнг туялар бўзлайди, Олқор қочса, баланд тоғни кўзлайди.* «Ҳасанхон»

ЖЎНИГА Ҳақида, тўғрисида. *-Энди тўй жўнига келсак, ҳамма гап вақт-соатга боғлиқ, дўстим, — деди Собир.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЖЎНИДАН *қ.* **жўнига**. [*Маърифат Тожихонга*:] *Уста буваникига чиқиб, иморат жўнидан гаплашиб келай.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

ЖЎНЛИКЧА *рвш.* Осонлик билан, осонликча.

ЖЎПЛАМОҚ Мўлжалламоқ, чоғламоқ; мувофиқ кўрмоқ. *Хуфтон асносида Сафар бўзчи етиб келди, воқеани эшитиб, дафъатан Мирзони яшириш учун шаҳарнинг четроғида бўлган язнасининг уйини жўплади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖЎР I Тўрғайлар оиласига мансуб сайроқи қуш. *-Бу жойлар чиройли экан, — деди бола осмонда муштдеккина бўлиб қотиб турган жўрни энди кўриб, — нега мени илгари опкемадиз қишлоғизга!* С. Нуров, Нарвон.

ЖЎР II [*ф.* جور — монанд, мувофиқ] Мос тушган, мос, оҳангдош, ҳамоҳанг, уйғун. *Уларнинг овози жуда бир-бирига жўр.* ▬ *Деҳқонбой ҳам Камолжон қўшиғига қўшилишди, бироқ унинг овози жўр тушмади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Дилга дил, тилга кўнгил албатта жўр овоз экан.* Ғ. Ғулом.

Жўр бўлмоқ 1) бир-бирига мос овоз билан ҳамоҳанг куйламоқ. *Қизлар чилдирмага жўр бўлиб, Ҳамза Ҳакимзода ёзган қўшиқни айтиб келишарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Куй Ойқиз юрагига жуда ёқиб тушди шекилли, ичида унга жўр бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) қўшилмоқ, жўра, шерик бўлмоқ. *Кўзи кўрга жўр бўлсанг ҳам, дили кўрга жўр бўлма.* Мақол.

ЖЎРА I [*ф.* جوره — тенг, ўртоқ, дўст] **1** Ошна-оғайни, ўртоқ. *Қарағай кесдик тоғда, Сувлар оқади сойда, Биз мунда қараб қолдик, Ёру жўрамиз қайда?* «Оқ олма, қизил олма». *Биз ҳам бир жўрамиз билан нима иш бўлса қиламиз, деб Тошкентга келган эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 «Гап», «тўкма» қатнашчилари, улфатлар (бир-бирига нисбатан). *Мана шу вақтгача жўраларнинг сони ҳамон ўша — тўққиздан ортмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 «Ўртоқ» маъносидаги мурожаат шакли. *Аҳмаджон ундан секин: -Жўрам, қаёққа кетаётибмиз? — деб сўради.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 Жўра (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

Жўра тутинмоқ Аҳил дўст бўлмоқ. *Қориев у* [*Бекжон Давлатов*] *билан ёш вақтларида Хивада, Каптархона кўчасида танишиб, жўра тутинишган.. эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЖЎРА II Бир кийимли икки бўлакдан иборат ипакли мол (беқасам, атлас, шойи ва ш. к). *Мен келтирган атласни Ёрим солмас сандиққа. Минг жўраси арзийди Шу зарбдор дўндиққа.* «Қўшиқлар». *-Бир жўра атлас у ёқда ўттиз сўм, — деди Туроб Усмонга.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Сенга бир жўра беқасам олиб қўйдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЖЎРАБОШИ 1 «Гап», «тўкма» қатнашчиларининг (жўраларнинг) бошлиғи. *Ҳар бир жўранинг жўрабошиси, йигит оғаси бўларди.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим. *Ўзингизсиз уйимизнинг тўрида, Жўрабошсиз доим ҳаёт тўйида.* Қ. Муҳаммадий.

2 *кўчма* Ишбоши, саркор.

ЖЎРАБОШИЛИК Дўстларига, улфатларига бошчилик қилишлик. *Ташкилотчилиги, серғайратлиги, ҳаммадан ҳам оғайниларининг бошини қовуштириб юриши учун кўпинча давра қуриб ўтирганда ҳам жўрабошилик шу одамга топшириларди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ЖЎРАЛАШМОҚ *кам қўлл.* Бир-бири билан дўст бўлмоқ. *Жўралашган тўрт юз киши, коллектив бўлган, Далаларнинг яшил кўкси экинга тўлган.* Миртемир.

ЖЎРАМОҚ *фольк. қ.* **йўймоқ.** *-Сиз тушингизни айтинг, мен жўрайман, — деб айтди Зулфизар Авазхонга.* «Зулфизар билан Авазхон».

ЖЎРАҚАНД Қовуннинг эти қалин, йирик, ўртапишар нави.

ЖЎРОВОЗ Бир-бирига ҳамоҳанг, оҳангдош, овози мос тушган. *Қайта қуриш ва янгича фикрлаш даврига жўровоз асарлардан бири Ғаффор Ҳотамовнинг «Эврилиш» эссесидир.* Газетадан. *Жўровоз бўлингиз, дўстлар, авжига.* Т. Тўла.

ЖЎРТТАГА *рвш.* Онгли равишда, атайин, атайлаб, қасддан. *Мен жўрттага баъзи гапларни тескариликка олиб кўрсам ҳам, у [Зайнаб] чурқ этмайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қудрат жўрттага бақалоқ гавда-*

сини қимирлатмай турарди. Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар. *Аҳмад жўрттага сакраб ўрнидан турди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЖЎРЧИ Йиртқич қушларнинг қарчиғайсимонлар оиласига мансуб бир тури.

ЖЎХОРИ Бир йиллик ғалла ўсимликларидан бир гуруҳининг (сўтали маккажўхори ва бошоқли қўқон жўхорининг) умумий номи ва унинг дони. *Жўхори экмоқ. Жўхори туймоқ.* ▬ *Ўн қадоқ жўхори туфайли шу куйга тушаман деб Аваз сира ўйламаган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўғлим, қани, жўхори гўжадан қуйиб ич, чанқоқни босади.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

ЖЎХОРИЗОР Жўхори экилган ер, майдон. *Саодат хола бир бўйрача жойдаги жўхоризордан уч-тўртта сўта олиб келган эди.* Ҳ. Нурий, Яшил хирмон.

ЖЎХОРИКОР Жўхори экувчи, жўхори етиштирувчи. *Жўхорикорлар мўл дон ва силосбоп кўкпоя етиштириш учун курашни давом эттиришяпти.* Газетадан.

ЖЎХОРИКОРЛИК Жўхори экиш, жўхори етиштиришлик. *Жўхорикорлик билан шуғулланмоқ.*

ЖЎХОРИПОЯ Жўхори пояси. *Чоракор билан хизматкор Остонақул эса, даладан олиб келинган сўнгги икки арава ғўзапоя ва жўхорипояларни дарвозанинг томига босишар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Соҳира айвонга думак, яъни жўхорипоя илдизи ташир эди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ЖЎШ [*ф.* جوش – қайнаш; ғалаён, туғён]: **жўш урмоқ** *поэт.* 1) қаттиқ тўлқинланмоқ, мавж урмоқ. *Денгиз жўш урмоқда.* ▬ *Бизнинг ҳаёт жуда кенг, Жўш урган денгиз.* Ғайратий; 2) *кўчма* қайнамоқ, тўлиб тошмоқ. *Зебихон ҳам, Адолат ҳам буни яхши ҳис қилишар, лекин жабру жафолар исканжасида фарёдга келган қалбларида одам бўлиб яшаш истаги жўш урарди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Юракларда жўш урган Ҳаваслардан сўйладик.* З. Диёр. **Жўшга келмоқ** 1) *қ.* **жўш урмоқ 1**; 2) жазаваси тутмоқ.

ЖЎШМОҚ 1 Қаттиқ тўлқинланмоқ, мавж урмоқ. *Тилагим дарёдай жўшиб оқмоқда.* Тўлқин. *Ҳаммасин биласан, эй сирли дарё, Оқасан узоққа, жўшиб, беларво.* Ғайратий.

2 *кўчма* Тўлиб тошмоқ, қайнамоқ. *Амаки яна одатича жўшиб, ёниб гапира бошлади.* «Ёшлик».

ЖЎШҚИН 1 Мавж урган, мавжланган; шўх. *Эй телба, ҳовлиқма, эй жўшқин дарё, Ястанди йўлингда поёнсиз саҳро.* Ғайратий.

2 *кўчма* Жўш урган, қайноқ, оташин; ҳаяжонли. *Усмонов эҳтирос билан жўшқин сўзларди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Холмурод унинг жўшқин овозини эшитди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖЎШҚИНЛИК Тўлқинланиш, оташинлик; ҳаяжон. *«Кўча боғи» унинг овозига қовушиб, ажойиб қувноқлик, жозибали бир жўшқинлик билан янграрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖЎЯ [*ф.* جويا – изловчи, қидирувчи]: **жўяси билан** Тушунтириб, ётиғи билан, аста-секин. *Жўяси билан гапиринг.*

ЖЎЯК [*ф.* جويهک – ариқча] *қ. х.* Экин ариғи, икки пушта ўртасидаги ариқ. *Жўяк олмоқ.* ▬ *Жўяк ичида бир қиз энгашиб, ўт юларди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Мана шу бепоён далаларда.. жўякларда шилдираган сувлардан сенинг биринчи бор айтган сўзларингни тинглардим.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЖЎЯЛИ Ўринли, бамаъни, маъқул. *Жўяли маслаҳат.* ▬ *Шаҳзода иккиланиб қолди: «Бир ҳисобда чолнинг гапи жўяли», деб ўйлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ЖЎЯСИЗ Ўринсиз, бемаъни, ножўя. *Жўясиз танбеҳ. Жўясиз ҳаракат.*

ЖЎҚЧИЛАР *эск. айн.* **«ж»ловчилар**.

ЗАБ 1 *сфт.* Ниҳоятда яхши, хўб; ажойиб, зўр. *Бу ер заб жой экан-да.* ▬ [*Дадавой Қаландаровга:*] *Заб милтиқ эканми? Ош пишгунча лип этиб сойга тушиб, жиндак ов қилиб келмайликми?* Уйғун, Навбаҳор. *Сартарошлик заб ҳунар, хизматинг тез кўринар.* П. Мўмин.

2 *рвш.* Ниҳоятда, жуда ҳам. *Қизлар кулишди: «Салимахон, ўзингизга ҳам келинлик заб ярашар экан-да».* Н. Фозилов, Оқим.

3 *юкл.* Нақ, айни, худди. *-Ҳошимжон, заб вақтида келдингиз-да, — деди бир кун Фармонқул ака Қобиловга.* С. Маҳкамов, Шогирд.

ЗАБАР [*ф.* زبر — баланд, юқори; устида] Араб тилида қисқа «а» унлисини англатадиган, ҳарф устига қўйиладиган диакритик белги; арабча номи — «фатҳа». *Беклар отга солар олтин эгарди, Ёшликдан ўқиган алиф, забарди.* «Ойсулув».

ЗАБАРДАСТ [*ф.* زبردست — қўли баланд, кучли; ишбилармон] **1** Жисмоний жиҳатдан бақувват, кучли; қудратли. *Забардаст йигит.* ▬ *Икки забардаст паҳлавон ўртада бел тутишиб кетдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Бизнинг довюрак, жасур, забардаст аскарлар икки кунгача душманни олдинга силжитишмади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Забардаст қўллар тобутни азот кўтариб, кенг елкаларга олдилар.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Етук, ўткир, таниқли. *Хуллас, Павел Иванович Петровский мактаб яратган забардаст олим бўлиб, унинг билан ҳисоблашмайдиганлар камдан-кам топиларди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Сатторхон тўра ҳам диндор, ҳам забардаст уламо, қилни қирқ ёрадиган мулло эдилар.* К. Яшин, Ҳамза. *Уч буюк забардаст шоир сукутда эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

3 Оғир, катта, залворли. *Бундан йигирма уч йил аввал Матқовул ўзининг забардаст кетмони билан Салтонбунинг тўрт таноб ерини тўрт кун деганда ағдариб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ер иши оғир, ўзингиз яхши биласиз, оғизнинг ели билан битмайди. Забардаст кетмонни пиёз пўстидай қилиб қўяди пахта иши.* С. Нуров, Нарвон.

З**АБАРДАСТЛИК** Паҳлавонлик, қудратлилик, кучлилик; оғирлик, катталик. *Достонда «Алпомиш чангалласа, тоғни талқон қилади..», деб тасвирланади. Бу Алпомишнинг муболағали тасвири бўлиб, унинг азаматлиги ва забардастлигини англатади.* «Ватан адабиёти».

ЗАБАРЖАД [*а.* زبرجد — яшил рангли қимматбаҳо тош] **1** *мин.* Шаффоф сарғиш-яшил қимматбаҳо тош. *У* [*Султон*] *табассумини яширолмай, ичи барқут билан сирилган қутилардаги гавҳар, забаржад, ёқут тошларни олдига суриб қўйди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Катта сандиқ ял-ял ёнган олмос, забаржад ва яна қандайдир нафис товланган қимматбаҳо тошлар билан лиммо-лим эди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

2 Шундай тош ўрнатилган (тақинчоқ ёки буюм). *Забаржад зирак.*

3 Забаржад (хотин-қизлар исми).

ЗАБАСТОВКА [*р.* — «ишни тўхтатиш»] Ташкилий равишда, ялписига иш ташлаш. *Забастовка ҳаракати.* ▬ *Мединский зуғумини давом эттириб, асл мақсадга кўчди:*

-Энди забастовкалару митинг-питингларни тарқатиш билан овора бўлиб юрманг, бу ишни бошқаларга топшираман. К. Яшин, Ҳамза.

ЗАБАСТОВКАЧИ Забастовка ташкилотчиси ва қатнашчиси.

ЗАБОЙ [*р.*] *кон.* Шахтада фойдали қазилма бойликлар (тошкўмир, руда ва ш. к.) қазиб олинадиган сурилма иш жойи. *Эртадан бошлаб сен забойга бориб, экскаватор учун майдончани олдиндан тайёрлаб қўя бошлайсан* [*деди Дмитрий Михаилга*]. Газетадан.

ЗАБОЙЧИ Забойда ишловчи.

ЗАБОН [*ф.* زبان – тил] *қ.* **тил 1.** *Самандаровнинг қони қайнаб кетди: -Мундай гапирсангиз-чи, забон борми!?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Худонинг шукрини қайси забон бирлан адо айлай, Карам дарёси жўш урди, дурахшон гавҳарим келди.* С. Хондайлиқий. *Сафохон тўра давом этиб, унга қаради: -Хўш, ўрис забонини ўргансак, бизга ёмонми?* К. Яшин, Ҳамза.

Забони қисқа *айн.* **тили қисқа** *қ.* **тил. Оташ забон, оташзабон** Гапга чечан, сўзамол; қизғин нутқ сўзловчи, нотиқ. *Оташзабон шоир.* ▬ *Хотинларнинг баъзилари қизиққанларидан чачвонларини қия очиб, Йўлчига яширинча мўралашди. Кимдир биров «оташ забон йигит экан», деб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ширин забон, ширинзабон** Ширин сўз. *Дарёйи сўзи равон Муқимий, Халқ ичра ширин забон Муқимий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЗАБТ [*а.* ضبط – ҳибс, мусодара; тергов]: **забт қилмоқ** (*ёки* **этмоқ)** 1) босиб олмоқ, эгалламоқ, ишғол қилмоқ. *Иншоолло, Самарқандни бу йил забт этсак, хавф-хатарлар бартараф бўлғай.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бобур Ҳиндистонни забт этган чоғда ҳам она юртни эслайди.* «Фан ва турмуш». *Агар Хоразм ўзаро уруш олови ичида қолса, ани забт этмак осон.* М. Осим, Карвон йўлларида; 2) ўз ҳукмига бўйсундирмоқ, жиловламоқ. *Чўлни забт этмоқ;* 3) эгалламоқ, мафтун қилмоқ, ўзига қаратмоқ. *Қандай ҳислар, қандай фикрлар Қиз қалбини забт этиб олди?* Уйғун. *Кипригингдан ўқ узиб, Кўксим аро захм айладинг, Дилни забт этмоққа балки Чоҳ ўйиб, лаҳм айладинг.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

Забт билан Куч билан, шиддат билан. *Муҳаррам ўша тотли муҳаббат кунлари, ойлари ўз оғушига забт билан тортаётгандек кўзларини беихтиёр юмди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Забти тез** Аччиғи тез, серзарда, сержаҳл. *Забти тез одам.* **Забтига олмоқ** Тобора кучаймоқ, авжига минмоқ. *Совуқ забтига олди.* ▬ *Сурхондарёда сув балоси айниқса забтига олиб, сўнгги икки ҳафта мобайнида икки марта сел келди.* Газетадан.

ЗАБТКОР [*а.+ф.* ضبطكار – забт қилувчи] Забт этувчи, ўз ҳукмига бўйсундирувчи. *Шўрўзак массиви, унинг биринчи забткорлари ҳақидаги ҳикоя ҳамроҳимизни ниҳоятда қизиқтириб юборди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шу куниёқ чўл забткорларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларни рағбатлантириш масалалари ҳам келишиб олинди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти.

ЗАБТЛИ *шв.* Тез. *Отлар қорда забтли чополмайди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЗАБУН [*ф.* زبون – нотавон, заиф; мағлуб] **1** Кучсиз, нимжон, заиф. *Ҳатто эртакеч танчанинг бир томонини банд этишдан ўзга ишга ярамаган забун кампирлар ҳам.. бу «хонтахлит тўй»ни томоша қилишдан ўзларини тия олмадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ночор, иложсиз. *Мардликни севган, мағрур йигит ўзини ожиз, забун, ихтиёрсиз сезди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Мушкул, оғир, танг. *Золимлар қўлида забундир ҳолим, Бемаҳал етишди, қайтайин, ўлим.* «Баҳром ва Гуландом».

4 Хор, эзилган. *Ўтмишда забун ва мазлум аҳволда бўлган ўзбек хотин-қизлари жамиятимизда ҳамма билан тенг қаторда муносиб ўрин эгаллаганлиги қувончли бир ҳолдир.* Газетадан. *Аваз кўпдан бери бу ваҳший удумни ўйлаб изтироб чекар, бу забун, меҳнаткаш тўда хусусида бир шеър ёзишни мўлжаллаб қўйган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Забун бўлмоқ 1) енгилмоқ, мағлубиятга учрамоқ; заволга юз тутмоқ. *Хоразмийларнинг сон жиҳатдан кам бўлмаса-да, рақибидан хийла заиф, тажрибасиз қўшини, сафлари сийраклаша бориб, ниҳоят забун бўлди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Турган гап: у киши амирликнинг забун бўлиб кетишига қарши.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк; 2) аҳволи танг бўлмоқ, ночор аҳволга тушиб қолмоқ. *Мен уни кўрмасам, ййўқдир қаро-*

рим, Тура берсам, забун бўлар аҳволим. «Баҳром ва Гуландом». *Суянган кишиларимиз бирин-кетин қўлга тушаётир, энди ҳолимиз забун бўлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЗАБУНЛИК Бечоралик, ночорлик, қашшоқлик; эзилганлик, хорлик. -*Меҳнат аҳли ҳамиша забунликда. Савдогарлар-чи? Барчаси бизнинг бел ва билак кучимиздан семирган ҳаромтовоқлар! — деди қаҳр билан Жумабой.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЗАБУР [*ф.* زبور – хат, китоб; Инжилнинг тўрт китобидан бири] *дин.* Худо томонидан Довуд пайғамбарга юборилган муқаддас китоб.

ЗАБҲ [*а.* زبح – сўйиш; қурбонлик қилиш]: **забҳ этмоқ** *кам. қўлл.* Қурбон қилмоқ. *Қоним шаробин ичсанг, Тотсанг жигар кабобим, Забҳ этмай ўзни, Эркин, Базми шоҳона қилмас.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЗАВЖ [*а.* زوج – жуфт; эр] *эск.* Эр, қайлиқ. *Кумушбиби бинти Мирзакаримбойга – завжи тошкентлик Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлидан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАВЖА [*а.* زوجه – хотин] *эск.* Хотин, рафиқа. *Энди бир мўминнинг завжаси, никоҳидаги хотинсан-а!!! Энди сен эрнинг измида юрасан – шариатда шундай!* К. Яшин, Ҳамза. *Ахир завжангизнинг вафот этганига олти ойча бўлди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЗАВОД [*р.* завод – ҳаракатга келтириш, ишга солиш] Йирик саноат ёки ҳунармандчилик корхонаси. *Ёғ заводи.* ▬ *Содиқжон бойваччанинг пахта тозалаш заводида иш қизғин.* К. Яшин, Ҳамза. *Урушдан кейин Уваров Тошкент паровоз-вагон ремонти заводида чиқадиган кўп тиражли газетада редакторлик қилди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Ботирали Тошкентда Салор бўйидаги пахта заводида ишчи бўлиб ишларди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЗАВОДЧИ *эск.* Завод эгаси, хўжайини. *Меҳмонларнинг кўпчилиги Фарғонада донғи кетган заводчи, пахтафуруш бойлар, йирик савдогарлар, баззоз, вофурушлар.* К. Яшин, Ҳамза. *Пахта ҳам шунақа, заводчилар ёзга бориб икки баравар қимматига сотиб олишар экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗАВОЛ [*а.* زوال – кунботар пайт; йўқ бўлиш, ҳалокат] **1** *эск.* Куннинг иккинчи ярми, кун оққан пайт билан кун ботар пайт оралиғи. *Шом бўлди, завол бўлди, йигитга увол бўлди.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма* Йўқ бўлиш, маҳв бўлиш, ўлим. *Ростга завол йўқ.* Мақол. ▬ *Камолингни кўрай, заволингни кўрмай.* Т. Сулаймон, Интизор. *Манманликка завол етар, Кам бўлган камолга етар.* «Зулфизар билан Авазхон». *Беҳунар, илмсиз халқни истиқболда завол кутажак.* С. Сиёев, Аваз.

3 *кўчма* Офат, кушанда. *Кўк қурт! Ёмон офат. Ғўзанинг заволи. Тезда тухум-пухумини қуритиш керак.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Асабий ҳолат, ҳозир айтганимдай, инсон умрининг заволидир.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Сув танқислиги ҳосилнинг заволидир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Завол бўлмоқ Бирор кимсанинг йўқ (ҳалок) бўлишига сабаб бўлмоқ. *Лекин Хосият опа ва қизингизнинг бахтига завол бўлишни истамадим.* М. Хайруллаев, Кўнгил. -*Гулдай умримизга завол бўлган киши сиз эмасмисиз? – деди Роҳат Темирга.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Завол топмоқ (***ёки* **кўрмоқ)** Йўқ бўлмоқ, ўлмоқ; ҳалокатга юз тутмоқ. *У* [*инсон*] *ҳамиша олға интилиши, ўрганиши, ҳаёт сирларини ўзлаштириб олиши зарур. Акс ҳолда, ақл-заковати йиллар ўтиши билан ўтмаслашади, завол топади.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Қисқадир туҳматнинг умри, бор мақол: Туҳматчи, албатта, топажак завол!* М. Худойқулов, Зилол сувли сой ва кир мағзава.

З**АВОЛЛИ** Ҳалокатга юз тутган, хароб бўлган. *Абдишукур секин минғирлади: -Заволли Туркистон учун бойлар керак.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳа, мангу заволли бўлмас оламда То суйин сочаркан абри найсонлар.* А. Орипов.

ЗАВХОЗ [*р.* < заведующий хозяйством – хўжалик мудири] *с.т.* Муассасаларда хўжалик ишлари учун жавобгар шахс. *Жўхорига сув қуйдим, Марзасидан ошмасин, Завхозимиз хотини Кўп ҳаддидан ошмасин.* «Қўшиқлар».

ЗАВҚ [*а.* ذوق – таъм, маза; мойиллик; завқланиш] **1** Кишига лаззат бағишловчи кайфият; шавқ; хурсандчилик. *Кема сувнинг шиддатига дош беролмай, гоҳ орқага, гоҳ олдинга чайқалар, бундан болаларнинг завқи ошарди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Алимардон яна ўша табассум билан, яна ўша завқ билан куйлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ҳузур, нашъа, гашт. *Яшаш завқин билмоқ бўлсанг, Фан тоғига интилгин.* Ё. Мирзо. *Самандаров завқ қилиб кулди ва болани қўлидан тортиб олиб, бағрига босди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Қизиқиш, мароқ, иштиёқ; руҳий кўтаринкилик. *Маърузачи завқ билан сўзламоқда.* ▬ *Йўлчи найни лабига қўйиб, бутун завқи билан чала кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Завқини келтирмоқ Кайфиятини яхшиламоқ, руҳини кўтармоқ. *Баҳорда кўм-кўк майса билан қопланган далалар, кузда олтинранг бошоқларнинг шовуллаши кишининг завқини келтирар эди.* Газетадан.

ЗАВҚБАХШ [*а.+ ф.* ذوقبخش – завқ бағишловчи] Кишининг кайфиятини кўтарадиган; хурсанд қиладиган; лаззат бағишлайдиган. *Баҳор – фаслларнинг энг қайноқ, энг шўх, энг серташвиш, айни замонда энг завқбахши.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Шоир табиат манзараларини, баҳор фаслининг мафтункор хислати, завқбахш фазилатини моҳир рассом каби жонли тасвирлай олган.* «ЎТА».

ЗАВҚЁБ [*а.+ ф.* ذوقیاب – завқ топувчи, олувчи] *кт. қ.* **завқбахш**. *Ёруғ туннинг сўлим, завқёб чоғида Даврага тизилар бир тўп ўспирин.* Миртемир. *Унинг [Авазнинг].. нохуш воқеадан ҳам, завқёб ҳодисадан ҳам дарҳол қалби жунбишга кела бошларди.* С. Сиёев, Аваз.

ЗАВҚЛАНМОҚ Руҳланиб кетмоқ, қувнамоқ; лаззат олмоқ, ҳузур қилмоқ. *Ортиқ ўзининг ҳазилидан ўзи завқланиб, хандон ташлаб кулди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ғуломжон шукуҳ қилиб кулар, Ашур Мирзо эса завқланиб ҳикоя қилар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Малика куёвининг ўктамлигидан завқланаётганини яширмасди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ЗАВҚЛИ 1 Кишига лаззат, завқ, ҳузур бағишлайдиган, кишининг завқини келтирадиган, мароқли, нашъали. *Завқли томоша.* ▬ *Созандалар ўзлари чалган мунгли ва завқли куйларга гавдаларини тебратиб ўтирадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Овчилик қамишкапаликлар ҳаётида завқли машғулот эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Лаззат, завқ, ҳузур ола биладиган. *Завқли бола.*

ЗАВҚ-ШАВҚ Ўта хурсандчилик, шодлик; кўтаринки кайфият. *Спорт байрамида иштирок этганлар ҳам, томошабинлар ҳам шу куни завқ-шавқ билан хонадонларига қайтишди.* Газетадан. *Ғойиб энди студентликнинг олтин даври ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ЗАДА [*ф.* زده – урилган, зарарланган; эзилган] Эзилган, абгор бўлган; бирор нарсадан безиллаган, юрагини олдириб қўйган. *Мен қишлоқлардаги камбағалларнинг хароба уйларини, паранжига бурканган, хўрлаб қўйилган зада аёлларни.. эслайман.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун Ёвузликдан зада қўриқхонадир.* А. Орипов, Йиллар армони. *Рикшалар исён қилди, ҳаётдан зада, Ҳаётда улар, ахир, тентирар беҳақ.* Миртемир.

Зада бўлмоқ Бирор кимса ёки нарсадан қўрқиб, ҳадиксираб, безиллаб қолмоқ. *Душман зада бўлиб қолган. У дарахт шохлари қимирласа ҳам, шарпа гумон қилиб, бир талай ўқ ёғдиради.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ростини айтсам, тамаки тизиш бошлангандан бери отамнинг авзойидан юрагим зада бўлиб қолган.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЗАДАЛАНМОҚ *айн.* **зада бўлмоқ** *қ.* **зада**. *Ана, томдан тортилган.. симларга иккита чумчуқ келиб қўнди. Қўнишга қўнди-ю, задаланиб қолганидан, олазарак бўлиб типирчиларди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЗАЁМ [*р.* < занять – «қарз олмоқ» фл. дан ясалган от] **1** Олинган ёки берилган қарз пул.

2 *мл., эск.* Давлатнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида чиқарилган қимматбаҳо қоғоз. *У ҳокимият тепасига келиши биланоқ, ҳукуматнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида, халққа ўттиз миллион сўм миқдорида қарз – ички заём солди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗАЁМФУРУШЛИК *эск.* Заём олиб сотиш билан шуғулланишлик. *Кўп йиллар ғурбаткашликда баъзи ишларга омилкор бўлиб келган мулла Зуҳриддин узоқ ўйлаб ўтирмай, ишни заёмфурушликдан бошлаб юборди.* Ғайратий, Довдираш.

ЗАЖИГАЛКА [*р.* < зажигать – «ёндирмоқ, ўт олдирмоқ» фл. дан ясалган от] Ўт олдирувчи асбоб. *Исмоил шимининг соат чўнтагидан чиройли зажигалка олди.* П. Қодиров, Эрк.

ЗАИФ [*а.* ضعيف – камқувват; касал] **1** Жисмонан қуввати кам, бечқувват, нимжон,

кучсиз. *Заиф бола.* ▬ *Жисмонан заиф, кексароқ ёки совуққа анча таъсирчан кишилар, яхшиси, кечқурун ётишдан олдин оёққа совуқ ванна қилишлари керак.* «Фан ва турмуш». *Гулчеҳра Султоннинг титроқ босган заиф қўлларини қайноқ ёш томчилари билан ювилаётган юзига босди..* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Тембр жиҳатдан баланд, кучли бўлмаган; кучсиз, паст. *Ғуломқодирнинг овози жуда заиф чиқди.* «Шарқ юлдузи». *Аёл кишининг заиф инграган овозини эшитиб, ўзига келдида, отилиб уйга кирди.* Х. Аҳророва, Орифнинг давлати. *-Қўрқманг, мен.. — деди Ғуломжон, куз япроғидай титраб турган заиф товуш билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Иқтисодий ёки ҳарбий жиҳатдан ночор, камбағал. *Сиз кўраётган гигант ёнида иқтисодий заиф хўжаликлар тиралиб ётса, бу номутаносибликни биздан кейинги авлодлар кечирармикан?* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

4 Унчалик кўп бўлмаган, жуда оз; хира. *Заиф шуъла.* ▬ *Сариқ, мойли қоғоздан зўрға ўтган заиф нур тўқувчи аёлларнинг танда устидаги қўлларигагина тушади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 Маҳорат нуқтаи назаридан кучсиз, бўш; пухта ишланмаган. *Биз Абдулла Қодирийнинг ижобий фазилатлари ҳақида фикр юритар эканмиз, ундаги айрим заиф томонларни ҳам кўрсатиб ўтишимиз зарур.* Газетадан. *Даҳо улуғ шоирнинг заиф жойини билиб олди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

Ақли заиф Эси паст, ақли кам; овсар, жинни. *Анварнинг ўзи сал ақли заиф экан, восвосга тушиб қолган; акалари уни хафа қилган.* Газетадан. **Мизожи заиф** Эркаклиги суст. *-Мендан-а, хотинингиздан уяласизми? -Уялмайманми? -Уялманг. -Уялмасам.. мизожим заиф.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАИФА [*а.* ضعيفه — кучсиз, ожиза; аёл] *эск.* Хотин, рафиқа, аёл. *Оғамнинг заифаси фарзанд доғидан телба бўлиб қолди* [*деди Қутбиддин*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Фосиқ афанди ёшгина овозни эшитиб, кифтларини учирди.. кейин томоғини қириб, майин товуш билан: -Заифалари бўласизми, хоним афанди? — деб сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Аёл киши оти — жўни билан заифа дейилади, — деди полвон тишини тишига босиб.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ЗАИФЛАНМОҚ Куч-қувватини йўқотмоқ, кучсизланмоқ, қувватсизланмоқ. *Мен ўшал кун кечаси душманлардан бирини ўлдирдим-да, сўнг даражада заифландим* [*деди Отабек*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАИФЛАШМОҚ 1 Тобора кучсизлашиб, куч-қувватини йўқотиб бормоқ. *Катта ишларни бошлаб қўйган Сафоев, бахтга қарши, юрак ўйноғи касалига мубтало бўлиб, кечалар ухлаёлмай, безовта бўлиб чиқар, борган сайин заифлашиб, юзи заъфарондай сарғайиб борарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Иқтисодий ёки ҳарбий жиҳатдан кучсизланмоқ, кучсиз бўлиб бормоқ. *Мунтазам қўшиндан ажраб, заифлашиб қолган Бухоро сон-саноқсиз кўчманчилар томонидан босиб олинди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЗАИФЛИК 1 Кучсизлик, дармонсизлик. *Заргаров баданида заифлик сезиб, суҳбатдан ҳафсаласи қочди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 *кўчма* Ожизлик; ақли калталик. *Бобурдаги бу ўзгарувчанликни Қосимбек ёшлик ғўрлигидан кўрар, хусусан, бундай мураккаб давлат ишларида аёлларнинг гапига киришни катта бир заифлик белгиси деб биларди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЗАИФОНА *эск.* Хотин-қизларга мўлжалланган, аёлларбоп. *Носир бечора ўн йил хизматини қилиб, аранг заифона этикча тикадиган бўлиб чиқди.* Газетадан. *Кафшнинг бири заифона, бири мардона, бирининг пошнаси бутунлай йўқ, бириники яримта.* Ойбек, Танланган асарлар.

Заифона овоз (*ёки* **товуш)** Паст, кучсиз овоз. *Камол қози харсанг билан кўтарилган супага чиқиб, қалтироқ, заифона овоз билан қичқирди.* К. Яшин, Ҳамза. *Аввал заифона товушда ўзи ўқиди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗАЙЛ [*а.* ذيل — этак; дум; оқибат; интиҳо]: **бир зайлда** Бир хилда, бир маромда, бир хил ҳолатда. *Теварак атроф жимжит. Ниначилар бир-бирини қувлаб учар, чигирткалар бир зайлда чириллар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Замона(нинг) зайли (билан)** 1) вақтнинг, даврнинг тақозоси, талаби (билан). *-Ота-оналар замонанинг зайли, деб қизларини ўқитиш зарурлигини тан олсалар ҳам, ўқимишли қизларнинг ўзига хос хоҳишларини тан олмайдилар, — деди Кумуш.* Т. Жалолов, Олтин қафас; 2) тақдир тақозоси билан. *Ана, замона зайли билан бу ерларга*

келдим. Роза билан қайта танишдим [*деди Бахтиёр*]. Б. Абдуллаев, Тўй бўлади. *Нажмиддин Бухорий.. кейинчалик замонанинг зайли билан Хуросонга келиб қолган.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Шу зайлда** Маълум тарзда; маълум ҳолатда, тарзда. *Гапнинг шу зайлда бошланиши Ҳаётни ёмон қўрқитиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бобоқул шу зайлда қанча вақт ўтирганини билмайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Жанг шу зайлда кечгача давом этди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЗАЙТУН [*а.* زيتون – яшил дарахт] **1** Доим яшил тусда бўладиган субтропик дарахт. *Зайтун дарахтининг бўйи 4–5 метрга етиб, жуда сершох, сермева бўлади.* Газетадан. *Ёки макон этар зайтун тагини, Ёки паноҳ тутар тоғ этагини.* Миртемир.

2 Шу дарахтнинг олхўри шаклидаги меваси (ундан одатда мой олинади). *Атрофдаги боғларда эса анжир, хурмо, зайтун, узум пишиб ётмоқда.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Зайтун мойидан қилинадиган ош турклар учун энг тансиқ овқатлардан.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ЗАЙТУНЗОР Фақат зайтун дарахтлари экилган ер, майдон. *Сўқмоқ тоғ бағридаги зайтунзорга олиб чиқди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ЗАК *шв.* **1** Зах. *Сим деган Фарғонаси Юракларим қон айлади, Беш қари бўздан чопон – Ёнбошларим зак бойлади.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *айн.* **зок.**

ЗАКАЗ [*р.* < заказать – «олдиндан айтмоқ, буюрмоқ» фл. дан ясалган от] *эск. қ.* **буюртма**.

ЗАКАЗЧИ *эск. қ.* **буюртмачи.**

ЗАКАЛАТ [*р.* заклад – олдиндан берилган ҳақ; гаров] *кам қўлл.* Сотиб ёки буюртма орқали олинадиган нарса, бажариладиган иш учун олдиндан бериладиган (тўланадиган) ҳақ. *Закалат бермоқ. Закалат олмоқ.*

ЗАКАН *қ. х.* Намлик ёки захни қочириш учун ер, пайкал ўртасидан қазилган ариқ; зовур. *От ботқоқликдаги закан сувига тумшуғини ботириб ичмоқчи бўлди-ю, шўрлигидан яна тумшуғини тортди.* С. Аҳмад, Одамнинг изи.

ЗАКИЙ [*а.* ذكى – зийрак; ақлли, қобилиятли] *кт.* Зеҳни, ақли ўткир; доно, ақлли. *Ҳофиз Кўйкий қалбини чулғаган ва ўзи ҳам англаб етмаган бу ғалати ҳисларни фақат шу закий зотгина тушуна олишига чин юракдан ишонди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Қирқ йил заҳмат чекди қай бир закий зот, Бир кун этмоқ учун фикрин ифода.* А. Орипов, Ҳайрат.

ЗАКИЙЛИК Ақллилик, зийраклик; донолик. *Ота-она гўдакнинг закийлигига лол қолиб, чўрини топиб келадилар ва ундан афв сўрайдилар.* О. Ёқубов, Қўҳна дунё.

ЗАКО [*а.* ذكاء – ақл; фаросат] *айн.* **закийлик, заковат.** *Латофат, фалсафа, донолик, зако Унинг ижодида жамулжам эди.* Уйғун. *Чинакам сулувсиз, чинакам барно, Тенги кам сиймо. Кўзингизда асрий ва сирли маъно – Мужассам зако.* Миртемир.

ЗАКОВАТ [*а.* ذكاوت – сезгирлик, ақллилик, фаросат] *қ.* **закийлик.** *Унинг қотмадан келган тиниқ юзида, катта-катта кўзларида заковат нури порлайди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Маданий мерос – халқ бойлиги. У минг йиллик тафаккур ва заковат маҳсули.* Газетадан. *-Унинг [Зокиржоннинг] нозик ҳаракатлари, шоирона муомалалари, заковати, малоҳати, жозибали фасоҳати мени ўзига мафтун қилди, – деди Муқимий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЗАКОТ [*а.* زكات – поклик, покланиш; садақа] **1** *дин.* Шариатга мувофиқ, пулдор, бадавлат мусулмоннинг ўзига қарашли мол-мулки ва даромадининг қирқдан бир улуши миқдорида (рўза вақтида) бева-бечораларга, камбағал-қашшоқларга берадиган хайр-садақаси. *Мана, Фарғонанинг энг азиз, энг бадавлат, энг халқпарвар одами – Содиқжон бойвачча яқинда бутун Қўқон халқига закот бердилар.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *тар.* Ўрта Осиё хонликларида: чорва ва мол-мулкнинг қирқдан бир улуши миқдорида ҳар йили хазина фойдасига олинган солиқ. *Солиқларнинг учинчи тури – закот – мол-мулкдан олинадиган давлат солиғи эди.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан очерклар. *..деҳқонлар.. косиблар ҳамиша амирнинг хирож, закот сингари солиқларининг жабрини тортар.. хонавайрон бўларди.* Газетадан.

ЗАКОТЧИ *тар.* Закот йиғувчи. [*Кампир*] *Закотчига таом пиширмоқ учун қўрғончага қараб юрди.* Ойбек, Навоий. *Закотни бек ёки хон томонидан тайинланадиган закотчи йиғар эди.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан очерклар.

ЗАЛ [*нем.* Saal – катта хона, бўлма] **1** Идора, корхона ва муассасаларда турли маросимлар (анжуман, йиғилиш, машғулот ва ш. к.) ўтказиладиган катта ва кенг хона. *Қўнғироқ чалинганидан бир минут ўтар-ўтмас мактаб зали бўшаб қолди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳ. Олимжон ҳатто томоша залларида ҳам газета, журналлар олиб юрарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бўлажак спортчилар ихтиёрига яхши жиҳозланган спорт зали, қулай гардероб ва душ бериб қўйилган.* Газетадан.

2 Хусусий ва кўп қаватли хонадонлардаги энг катта уй, хона; меҳмонхона. *Меҳмонлар учун залда дастурхон тайёрланди.*

ЗАЛВАР Муайян салмоққа эга бўлган, жуда зич, қаттиқ нарсаларнинг оғирлиги, салмоқ. *Залвар билан урилмоқ.* ▬ *Залвари, қадр-қиммати тилладан кам бўлмаган оқ пиллаларни қўлма-қўл олиб кўришди.* М. Қўшмоқов, Катта хирмон жилғаси.

ЗАЛВАРЛИ Салмоқли оғирлиги, кучи бўлган, салмоқдор; оғир; салобатли, жуда катта. *Расадхонанинг қўш тавақали залварли эшиги берк эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ушбу нашрга Лутфийнинг ўзбек классик шеърияти тараққиётига залварли ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб шеърий меросидан намуналар киритилди.* Газетадан. *Баҳайбат, залварли иншоотлар ёнида жин кўчаларни кўрасиз.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

ЗАЛДИВОР *с.т. қ.* **зардевор**. *Ҳар бири уйнинг бир томонини оладиган иккита ипак сўзана, гулкўрпа, палак, икки уйга етадиган залдивор, дорпеч, учта гилам, тўртта дазмол, қўйинг-чи, кир ёйишга олти метр арқон ҳам бор.* Т. Алимов, Қиз ўғри бўлади.

ЗАЛИЛ [*а.* ذلیل – хўрланган] *кт.* Хўрланган, ҳақоратланган, таҳқир қилинган. *Ғарибу фақиру залилу ҳақир Эдим, лек йўқ эрдим усру далир.* С. Хондайлиқий.

ЗАЛОЛАТ [*а.* ضلالت – йўлдан адашиш, хато; ёлғон] Ҳақиқий эътиқоддан юз ўгириш; йўлдан озганлик, адашганлик; гумроҳлик. *[Хатиб домла мулла Муҳсинга:] Гўё сиз ҳам домласиз-да! Ҳам ўзингиз осий, ҳам қавмларингиз залолатда.* А. Қодирий, Обид кетмон. *«Муштум» эскича: ўғрилик, залолат ва ғайрилар билан курашни давом эттиради.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЗАЛП [*нем.* Salve < *лот.* salve – яша, соғ бўл; дастлаб олқишлаш, саломлашиш маъносида ўқ узишни ифодалаган] Бир неча тўп ёки милтиқлардан бир йўла, бараварига ўқ отиш. *Тўплар залпи.* ▬ *Улар [партизанлар] ёвни бир залп билан қириб ташлашлари мумкин эди.* В. Ғофуров, Вафодор. *Полк батареясининг залпи ўрмон оша гумбурлаб эшитилди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ЗАМ [*а.* ضم – қўшиш, қўшилиш; қўшиб, босиб олиш]: **зам қилмоқ (***ёки* **айламоқ)** *кт.* Бор нарса устига қўшмоқ, уни кучайтирмоқ; илова қилмоқ. *Ёвга раҳм этманг, уринг, ҳайданг, суринг, берманг омон, Зарбалик даҳшатни айланг зам уза зам, жангчилар.* Ҳабибий.

ЗАМБАР *шв. қ.* **замбил.** *Омонат кўприк устидан замбарларда тош-шағаллар келтириб тўка бошладилар.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *-Ташқаридагилар ўликни солиш учун тол новдадан замбар тўқимоқда эдилар, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЗАМБАРАК [*ф.* زنبرک , زنبورک – кичкина қовоғари] Узун стволли артиллерия қуроли; тўп (даврлар ўтиши билан шакли ўзгариб борган). *Ёв бошида найза, қилич ўйнатишни ўргандим. Мардчасига замбаракдан ўқ отишни ўргандим.* Ҳ. Пўлат. *Узоқдан замбараклар ҳайқириғи, снарядларнинг портлаши эшитилмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..Бир кексароқ хотин ҳарсиллаб шундай деди унга: -Юнусобод деган жойдан келаяпман, нега қайтаман! Зулмдан тўйдим, замбаракка солиб, отиб юборсинлар мани.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗАМБАРАКЧИ Замбарак отувчи; тўпчи.

ЗАМБИЛ [*а.* زنبیل – катта халта ёки сават; *ф.* زنبر – тупроқ ташиш воситаси, мосламаси] Ғишт, тупроқ, тош ва ш. к. юкларни ташиш учун ишлатиладиган, икки параллел дастага тол ёки тут новдаларидан ўртасини чуқурроқ қилиб тўқилган иш қуроли (кейинчалик эса дасталарга кўндалангига юпқа тахталар, шунингдек, тунука қоқилган). *Эртасига қизлар замбил ва кетмон кўтариб, қайтарма бўйига келдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кимлар кетмон билан, кимлар чўкич ва ё замбил билан ишлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Замбил арава *айн.* **замбилғалтак.** **Замбил бел, замбилбел** Бели, ўртаси замбилга ўхшаш букик, эгилган. **Замбил эшик** Новдалардан тўқилган эшик. [*Салимбайвачча*

билан куёви] *Кичкина замбил эшик олдида аравадан тушишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗАМБИЛЛАМОҚ Замбил билан ташимоқ. *Теварак-атрофда кетмон ураётган, замбиллаб, қоплаб тупроқ ташиётган қанчадан-қанча одамлар ҳам, худди Рўзиматдай, жадаллаб ишлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЗАМБИЛКАШ [*а.*+ *ф.* زنبيلكش – замбил кўтарувчи] Замбилда юк ташувчи.

ЗАМБИЛЧИ 1 Замбил тўқувчи уста.

2 *айн.* **замбилкаш.**

ЗАМБИЛҒАЛТАК Замбилга ўхшатиб ясалган ва юк ташишда фойдаланиладиган, бир ғилдиракли икки дастали қўл арава. *Отарава ва замбилғалтакларда тош ташишга ўн беш киши ажратилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қария қовун, ошқовоқ ва помидор палаги, совуқ урган гул хазонлари ортилган замбилғалтакни тиришиб ҳайдаб келарди.* Н. Аминов, Суварак.

ЗАМБУР [*ф.* زنبور – қовоғари] *шв.* Қовоғари. *Кавакдан чиққан замбурни данак чаққандек битта-битта уриб тушираверди.* С. Нуров, Нарвон. *Замбур аридан асал олса бўлади-ю, лекин бу зиқна носвойчидан садақа ҳам чиқмайди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ЗАМБУРУҒ Таркибида хлорофилл бўлмайдиган, спора билан кўпаядиган, илдизсиз ва уруғсиз тубан ўсимликларнинг умумий номи. *Олма мевасига саккиз процентли кальций хлор эритмаси билан ишлов берилса, ундаги замбуруғларнинг ривожланиши тўхтайди.* «Фан ва турмуш». *Экинларнинг замбуруғ касаллиги билан зарарланмаслиги учун буғдой ва арпа уруғларини фақат дорилагандан кейингина экиш керак.* Газетадан.

ЗАМЗАМ [*а.* زمزم – Маккадаги муқаддас булоқ] Макка шаҳрида Каъба яқинидаги мусулмонлар муқаддас ҳисоблайдиган булоқ номи.

Оби замзам, обизамзам Замзам булоғидан чиққан сув. *Ҳайдархўжа сандиқдан бир тўп докани чиқариб,* [*Мирзога*] *кўрсатди: -Мана бу менинг кафанлигим. Маккага борганимда, оби замзамга ивитиб келтирганман.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ЗАМЗАМА I [*а.* زمزمه – ғўлдираш, ғўнғиллаш; *ф.* زمزمه – паст овозда куйлаш] **1** Ашуланинг сўзсиз ижро этилиши.

2 Секин, паст овоз билан куйланган қўшиқ; хиргойи.

Замзама қилмоқ Паст овозда куйламоқ, хиргойи қилмоқ. *Шаҳзодахон ана шундай изтироб тўла ўйларига чек қўйиб, беихтиёр суратда «Сайдинг қўябер»ни замзама қилиб, кундошлари ёнига кириб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Зебо пари.. енгил халқ қўшиқларини замзама қилар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 *кўчма* Имо-ишора, шама; ғўнғиллаб гапириш. *Унинг* [*бойваччанинг*] *замзамасига саркор билан Эминжон тушунмасди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЗАМЗАМА II *шв.* Дабдаба, тантана. *Уларнинг тўйларида роса замзама бўлувди.*

ЗАМИН [*ф.* زمين – ер, тупроқ; мамлакат] **1** Ер шари, Ер.

Рўйи замин *қ.* **рўй. Замину замон** Еру осмон, ҳаммаёқ, коинот. *Замину замон ўзгариб, маърифатга томон бормоқда [деди Исломхўжа].* Ж. Шарипов, Хоразм. *Йўллар элтсин манзилга омон! Омон бўлсин замину замон.* Шуҳрат, Ёшлигимнинг давоми.

2 Экин экиладиган ер. *Бу қишлоқнинг суви тоза, замини унумли, ҳавоси ёқимли, деҳқонларининг қўли баракали экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

3 Муайян ҳудуд, юрт; умуман ер. *Зотан, янгидан бунёд этилган кўркам чаманзор, боғроғлар, яхлит-яхлит пахтазорлар Хоразм заминига жон бағишлайди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бир томони ғаллазор, бир томони токзор ерлардан ўтиб борарканмиз, шу заминда туғилиб, шу ердан фронтга кетган Ж. Усмоновнинг мактуби ёдимга тушди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

Она замин Туғилиб яшаб турган жой, ер; жонажон юрт. *Она заминимизнинг инсониятга бебаҳо тухфаларидан бири – дастурхон кўрки ҳисобланган бодомдир.* Газетадан.

4 *кўчма* Асос, негиз. *Хўжалик ноз-неъмат бунёдкорлари айни кунларда мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар.* Газетадан. *Ҳар бир улуғ ишнинг замини – меҳнат, Меҳнат-ла яралур шоҳ асарлар ҳам.* Р. Бобожон.

5 *кўчма* Қулай шарт-шароит, муҳит; имкон. *У Бўтабойга ҳозир бундай талаб қўйиб бўлмаслигини, бунинг учун аввал замин тайёрлаш кераклигини тушунтирмоқчи бўлган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 *кўчма* Таянч, бошпана. *Охири Абдураҳмон чойхонанишин тавкагир ва бобойи банглар орасидан ўзига замин топди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЗАМИНДОР [*ф.* زميندار – ер эгаси] *эск. кт.* Ўрта Осиё хонликларида ва ўрта аср Ҳиндистонида: катта ер-сув эгаси. *Коллежларимизда фақат бойлар, заминдорларнинг болалари ўқийди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ўтмишда ер ва сув амирлар, беклар, заминдорлар қўлида эди.* Газетадан. *Ҳолбуки, «заминдор» сўзи адабий-бадиий асарларда «помешчик» сўзининг семантик дублети сифатида ишлатилиб, барқарор тус олиб қолган.* «ЎТА».

ЗАМИР 1 [*а.* ضمير – виждон, ақл; яширин фикр] **1** Туб моҳият, асл маъно, мазмун; асос. *Романдаги қатор образларнинг замирида конкрет тарихий шахслар ётади.* «ЎТА». *Билишмайдики, ҳар бир хатнинг замирида бир ёки бир неча одамнинг тақдири ётади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Бу меҳрибонлик замирида нима борлигини Содиқжон ҳам, Ҳамида ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам билишарди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар.

2 *эск. айн.* **олмош.**

3 Замир (эркаклар исми).

ЗАМЛАМА *эск. кт.* Устига қўшилган; устама. *Замлама нарх.*

ЗАМЛАМОҚ Устига қўшмоқ, қалаштирмоқ. *-Шунча саволни замлаб ташладингки, қайси бирига қандай жавоб беришни билмай қолдим, – деди Рузвон хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу гуноҳингизнинг устига танқидни ўзингизга юқтирмаслик касалингизни замласак, биласизми-а, кимга ўхшайсиз?* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

ЗАММА [*а.* ضمّة – қўшиш, бириктириш; зичлаш] Араб тили ва ёзувида «у» унлиси ўрнида қўлланадиган, вергул шаклидаги белги.

ЗАММАЛАМОҚ Зичлаб беркитмоқ. *Пармалаб очилган ҳар бир сантиметр бўшлиқни оғир лойқа билан тўлдириб, заммалаб бориш керак.* П. Қодиров, Эрк.

ЗАМОН [*а.* زمان – давр, вақт] **1** *флс.* Материя (объект) ҳолатларининг ҳамда ҳодиса (жараён)ларнинг изчил алмашиниш шакли; давомлилик, такрорланмаслик, қайтарилмаслик каби умумий хоссаларга эга бўлган вақт.

2 Сўз бораётган пайт; умуман вақт, пайт, давр, маҳал. *Ҳозирги замон. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ.* Мақол. ▬ *Ҳасаналининг Отабеклар оиласида бўлганига эллик йиллар чамаси замон ўтиб, энди Отабеклар оиласининг чин бир аъзоси бўлиб кетган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эсини таниганидан бошлаб онаси билан кечирган замонлар.. Йўлчининг кўз олидан бир-бир ўтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана, энди янги давр, янги замон келди.* К. Яшин, Ҳамза. *Чол* [*Шокир ота*] *замондан кўпроқ шикоят қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди у замонлар қамишкапаликларга ўтмиш хотираси бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Айни замонда Шу билан бирга; бир пайтнинг ўзида. *Айни замонда, ана шу миллий ўзига хослик конкрет индивидуал услуб билан боғлиқ ҳолда изоҳланиши керак.* «ЎТА». **Бир замон** 1) бир вақт, бир маҳал; анча вақтдан кейин. *Бир замон чойхоначи келди.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) ўтмишда, илгари; ўтган вақтларда. *Бу кенг кўкрак бир замон Қақраб ётарди. Ваҳшат азоб, ўлим, қон Тўлиб ётарди.* Ғайратий. **Бир замонлар** *айн.* **бир замон 2.** *Рўзимбой бир замонлар бу ёғи Бухоро, бу ёғи Қўнғироту Марвгача бориб кураш тушган.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Эсингиздами, бир замонлар ҳовлингизда бир етимча хизматингизни қилар эди? – деди эшонга Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бобомнинг замонида** Узоқ ўтмишда, қадимда, аллақачонлар. **Охир замон** *дин.* Қиёмат яқинлашган вақт. *-Билмадим, бўёқчининг нили бузилганми ё охир замон яқинлашиб, яъжуж-маъжуж хуруж қилганми? – Султонбек атрофидагиларга кўз югуртди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Шу замон** 1) ҳозирги пайт, ҳозирги кун. *Шу замоннинг ёшлари;* 2) шу он, шу пайт; дарҳол. *Шитир этса тушган барг, Эшитилар шу замон..* Уйғун. **Ҳали замон** Ҳадемай, тез фурсатда. *Сержант ўшқириб: -Нима дейсан? Ётиб ухласанг-чи, ҳали замон постга борасан, – деди-да, ўқишда давом этди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ҳар замон(да)** Гоҳо-гоҳо, аҳён-аҳёнда. *Ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади.* А. Қаҳҳор, Бемор. *Ҳар замон-ҳар замон бу йўлдан ғувиллаб, оғир юк машиналари ўтиб қоларди.* Газетадан. **Ҳеч замонда** Ҳеч бир вақт, ҳеч қачон; бирон-бир вақтда. *Ҳеч замонда шундай ишлар бўлами, Одамзод наслидан душман келами.* «Муродхон».

3 Бирор муҳим, ўзига хос ҳодиса, тарихий воқеа рўй берган ёки бирор шахс,

ҳоким табақа, сулола ҳукмронлик қилган даврни қамраб олган вақт. *Тинчлик замони. Уруш замони. Истиқлол замони. Амир замони. Темурийлар замони.*

4 Кутилган пайт, давру даврон. *Умрларинг узун бўлсин. Замонларинг келибди: ўйнанглар, кулинглар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *тлш.* Махсус шакллар ёрдамида ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабатини билдирувчи феъл категорияси. *Ўтган замон. Ҳозирги-келаси замон. Келаси замон сифатдоши.*

6 Замон (эркаклар исми).

ЗАМОНА [*ф.* زمانه – давр, вақт] *айн.* **замон 1.** *Замона талаби. Замонамиз олимлари.* ▬ *Навоий замонасида фан ва маданият, маориф яхши тараққий этган.* Газетадан. *Самарқанд – Китоб йўлида ҳазрат Навоий ва буюк мунажжим Улуғбек замонасидан қолган минг йиллик чинорлар ҳали-ҳали шовуллаб турибди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Замонанинг зайли билан *қ.* **зайл.**

ЗАМОНАВИЙ [*а.* زمانه‌وی – ҳозирги замонга оид] Ҳозирги замонга хос; замона талабларига жавоб берадиган; ҳозирги. *Механизатор деҳқон ихтиёрига бериб қўйилган замонавий машиналарнинг афзалликлари ҳақида тўлқинланиб ёзибди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Шинам хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланган.* Газетадан.

ЗАМОНАВИЙЛИК Замонга хослик, замон билан биргалик. *Замонавийлик – адабиётимизнинг қалби.* «ЎТА». *Бизда ҳозиржавоблик, актуаллик тушунчаси билан замонавийлик тушунчаси бир оз чалкаштириб юборилаётир.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ЗАМОНАСОЗ [*а.+ф.* زمانه‌ساز – замон, пайтга мослашувчи] *салб.* Замон оқимига қараб иш тутувчи, замонга мослашувчи, ўй-фикри беқарор одам. *Замонасоз одам.*

ЗАМОНАСОЗЛАШМОҚ Замонга, шароитга мослашиб иш тутмоқ. [*Қўрқмас:*] *Сиз ҳам.. анча замонасозлашиб қолибсиз-а, бойвачча!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ЗАМОНАСОЗЛИК Замонга, давр оқимига, талабига қараб иш тутишлик. *Чунки бу кейинги табақа замонасозлик, муроса ва тадбир орқасида яшовчидирлар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЗАМОНДОШ Бирор кимса билан бир замонда, бир даврда яшаган киши. *Алишер Навоий замондошлари.* ▬ *Ҳамма ерда кўтаринки руҳ, аниқ мақсад билан тер тўкиб ишлаётган, ҳиммат-заковати зўр замондошларимни кўрдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Замондош дўстларим чиндан юракдош, Ҳамиша ҳамнафас, ўртоғу йўлдош.* С. Абдулла, Танланган асарлар.

ЗАМЧА *бот.* Қовуннинг сариқ ва ола рангли, ҳандалаксимон, эртапишар тури.

ЗАМША [*пол.* zamsza <*нем.* sämisch (Leder) – Земляндия (териси)] **1** Буғу, қўй ва ш. к. нинг терисини алоҳида усулда ошлаш йўли билан тайёрланадиган, усти бархитсимон майин чарм.

2 Шундай чармдан тайёрланган, тикилган. *Замша туфли.*

ЗАМҲАРИР [*ф.* زمهریر – қаҳратон, қаттиқ совуқ] *кт.* Қаттиқ совуқ; қаҳратон қиш. *Бу ойнакўл эмас, қиш бу замҳарир, Кўнгил тубларида сирли хаёллар.* А. Орипов. *Бешта отлиқ билмоққа борар, Тишлаб олар юзни замҳарир.* М. Али, Боқий дунё. *Замҳарир қиш мавсумида офтобни излаймиз.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

ЗАНБАР *шв.* Замбил. *Зовурдан чиқарилган тупроқни икки қиз занбарга солиб бермоқда эди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ЗАНБИЛ *шв.* Замбил.

ЗАНГ I [*ф.* زنگ – занг, оксид] **1** *махс.* Сувда ёки ҳавода оксидланиш туфайли металлар сиртида ҳосил бўладиган ва уни емирадиган қизил-қўнғир ғовак қатлам, парда. *Темирчилар, занглаган темирни ўтга солсанг, занги тўкилади, дейишади.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. *Қуруқ ерга урилавериб занги кетган кетмонлар узоқдан ялт-ялт этиб кўринар, қўшиқ, кулги эшитилар эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 *қ. х.* Ўсимликларнинг паразит замбуруғларнинг споралари ривожланган жойларида (барги, пояси, қисман мевасида) пайдо бўладиган зарғалдоқ, қўнғир доғдан иборат касаллик. *Занг замбуруғлари. Занг касаллиги.*

3 *кўчма* Доғ, ғубор; ғам-алам, андуҳ. *Артиб кўнгиллар зангини, Қишни баҳор айлаб келинг.* С. Абдулла, Ҳаёт гулшани. *Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар.. ҳаётнинг зангини олтинга айлантирмоқ мумкин.* Ойбек, Навоий.

Занг босмоқ 1) занг билан қопланмоқ, зангламоқ. *У [Матпано] занг босган эски ўроқ*

топиб келди. С. Сиёев, Аваз. *Йўл чеккасидаги янтоқлар худди занг босган симдай қовжираб ётар, чигирткалар.. саратоннинг тафтига бардош бера олмай чириллашар эди.* Н. Фозилов, Дийдор; 2) *кўчма* ишлатилмай ётмоқ ёки бир чеккада қолиб, унутилиб кетмоқ. -*Қўмондонлик бизни тамом эсидан чиқарди, шекилли: ҳали ҳам занг босиб ётибмиз, — деб ёзибди [йигит].* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 3) *кўчма* доғ, ғубор, ғам-алам билан қопланмоқ. *Занг босган дил.*

ЗАНГ II [*ф.* زنگ — жаранг, қўнғироқ] **1** Қўнғироқ; товушли сигнал, хабар бериш учун ишлатиладиган металл буюм (мас., рельс парчаси). *[Ошпаз] Тут бутоғига осилган зангни қўлидаги таёғи билан ура бошлади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Шундай қўнғироқ, сигнал ёки соат товуши. *Девор соатнинг занги.* ▬ *Бобоқул отанинг занги эшитилмайдиган бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Занг урмоқ (*ёки* **чалмоқ**) 1) металл парчасини жаранглатиб, бирор воқеа-ҳодиса ҳақида товушли сигнал, хабар бермоқ. *Овқат пайти бўлиб, шийпонда занг урилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Учинчи занг урилиб, состав аста жилди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари; 2) бонг урмоқ; данғиллаган овоз чиқармоқ (соат ҳақида). *Девор соат олти марта занг уриб, Пўлатжоннинг сўзини бўлди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЗАНГ III *шв.* Ток танасининг кўп йиллик йўғон қисми. *Узум занглари чангал қўралар устига тирмашиб чиқиб, бизнинг ҳусайни узумимизни кузда у ҳовлидан ҳам, бу ҳовлидан ҳам ейиш мумкин бўларди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Жўрахон, дилдор, меҳнаткаш, латофатли деган қизлар ток зангларини кўтариб, сўриларга боғламоқдалар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЗАНГБОР [*ф.* زنگبار — занжибарлик; қора ҳабаш] *кт.* Қоп-қора, ҳабашга ўхшаш. *Васл уйи мангу эмасдир, Ишқ дами боқий эмас, Қоматинг ё бўлмасидан Қоши зангборини ўп.* Э. Воҳидов.

ЗАНГИ I [*ф.* زنگی — занжибарлик; қора танли] *қ.* **занжи.**

ЗАНГИ II *шв.* Нарвон.

ЗАНГИЛА I *тиб.* Организмда витамин етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган милк касаллиги; цинга.

ЗАНГИЛА II [*ф.* زنگوله — қўнғироқча; мақом номи] Қўл ва оёқларга қўнғироқчалар, шиқилдоқлар тақиб ўйналадиган рақс; занг ўйини.

ЗАНГИН [*турк.* زنگین < *ф.* سنگین — оғир, салобатли; бой] Моддий бойликка эга бўлган, бой-бадавлат. *О, наҳотки! Бу исқирт гадой — Бобокалон зангин Суюнбой!* М. Али, Боқий дунё.

ЗАНГЛАМОҚ 1 Занг билан қопланмоқ, занг босмоқ. *Занглаган арра.* ▬ *Тепаликларда қор остидан занглаган тунука ва темир, қора ва сариқ ғишт, бетон парчалари чиқиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Тортиб қараса, занглаб кетган қилич экан.* «Олтин бешик».

2 *кўчма* Эскириб, истеъмолдан чиқмоқ; ишлатилмай унутилиб кетмоқ; чанг босмоқ. *Менинг она тилим, жон ўзбек тилим, Катта оилада янгра, жарангла! Зангламайсан асло, сен менинг дилим.. Шашмақомдек янгра минг бир оҳанг-ла!* Газетадан.

ЗАНГОР(И) [*ф.* زنگار — сариқ-яшил; занглаган] Яшил-ҳаворанг, оч яшил рангга эга бўлган, мовий. *Зангор бўёқ. Зангори духоба.* ▬ *Шифтга ўрмалаётган зангори тутунга термилиб, узоқ ётдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қатор-қатор турналар зангори осмонда ғирқиллашиб, шимолга учиб ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шошқин дарёларнинг зангордир лаби, Шамоллар ўйнайди йироқ-йироқда.* А. Орипов, Юртим шамоли.

Зангори кема *қ.* **кема.**

ЗАНЖАБИЛ [*а.* زنجبيل — зиравор ўсимлик номи] Занжабилдошлар оиласига мансуб, йўғон илдизпояли, гул ва мевасиз, найсимон ўт ўсимлик (доривор, зиравор модда сифатида ишлатилади).

ЗАНЖИ [*а.* زنجی — занжибарлик; қора танли] Қора танли; қора, ҳабашга ўхшаш. *Зум ўтмай, қора каллапўш кийган, занжидай бадбашара барзангини етаклаб кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қишлоқ кўчасидан занжидай қаро Олов болалигим югураётир.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЗАНЖИР [*ф.* زنجير — занжир, кишан, тизимча] **1** Бир-бирига тартиб билан, бирин-кетин ўтказилган, бириктирилган металл (ёки бошқа қаттиқ материал) ҳалқалар шаклидаги, рўзғорда, хўжаликда турли мақсадларда ишлатиладиган арқон(ча), тизимча. *Темир занжир. Соат занжири.* ▬

Боғлаб қўйилган шердай ит боғ томонга қараб ириллар, занжирни узиб юборгудай ўзини отарди. Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бунақа занжирни янга тугул, қишлоғимиздаги манман деган темирчи ҳам узиши қийин.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Металл ҳалқалардан тайёрланган, эшик ёки дарвозаларни беркитиб қўйишда бир томони зулфинга илинадиган илгак. *Эшикнинг занжирини илиб қўйинг.* ▬ *[Ҳасанали] Занжирни тушириб, дарвозанинг бир табақасини очиш ҳамоно шу табақага суялиб турган Отабек Ҳасаналининг оёғи остига йиқилиб тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кесим взф.* Занжир билан беркитилган, занжирланган. *[Отабек] Жаннат опанинг «эшик занжир» деган товушини эшитгач.. дарича ёнига чўнқайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Олтин, қумушдан ясалган кичик нозик ҳалқалардан тайёрланган, бўйинга ёки қўлга тақиладиган зийнат буюми.

5 *махс.* Машина, механизм ва баъзи қурилмаларнинг кетма-кет бириктирилган ҳалқа-қисмлардан иборат эгилувчи, айланувчан қисми. *Шу вақт ўрта кўчада занжири узилиб, йўлга кўндаланг бўлиб қолган танкдан якка милтиқ овози эшитилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 Маҳбусларнинг қўли ёки оёғига боғланадиган темир ҳалқа; кишан. *Шоир Аваз хоннинг ғазабига дучор бўлади ва занжирда азоб-уқубат билан вафот этади.* «Ўзбек адабиёти тарихи».

7 *кўчма* Қуллик, асорат; бирор нарса-ҳодисанинг қуршови, исканжаси. *..эски урф-одатлар занжири ҳамон Гулсумнинг эркини бўғиб, тақдирига хавф солиб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

8 *кўчма* Бирор нарса ёки кимсаларнинг узлуксиз, тиғиз боғланиб турган қатори, тизмаси. *Воқеалар занжири.* ▬ *Ғуломжон миршаблар занжирини узиб, олдинга ўтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

9 *кўчма* Икки нарсани, кимсани ўзаро чамбарчас боғловчи нарса; ришта, робита. *[Анвар:] Жуфтланишнинг, менимча, энг муҳим бир шарти бор, ул ҳам икки тарафнинг муҳаббат занжири билан бир-бирларига қаттиқ боғланишларидир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

10 *физ. тех.* Узлуксиз, айланма тизим ёки қатор ҳосил қилувчи элементлар бирикмаси. *Электр занжири.*

Занжирдай хамир Узилмайдиган, пишиқ хамир.

ЗАНЖИРА [*ф.* زنجيره – китоб ёки қўлёзма варақлари четидаги ҳошия] Ўймакорлик турларида, каштадўзлик, наққошлик ва б. да ишлатиладиган занжир шаклидаги нақш тури.

ЗАНЖИРБАНД [*ф.* زنجيربند – занжир билан боғланган] Занжирга боғланган, кишанланган. *Занжирбанд ит.* ▬ *Тақдирнинг ўйинини қарангки, бугун ўша Аваз занжирбанд бўлиб, олдида турибди.* С. Сиёев, Аваз. *Арк устида хон Бобо билан Ҳусайн пайдо бўлади ва шундан кейин Тоҳирни ясовуллар занжирбанд олиб кирадилар.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

ЗАНЖИРЛАМОҚ Занжирни зулфинга илиб беркитмоқ (эшикни, дарвозани). [*Ҳасанали*] *Ўрнини меҳмонхонага ёзиб, дарвозани занжирлаб келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАНЖОРИЙ [*а.* زنجارى < *ф.* زنگارى – сариқ-яшил ранг]**: ёқути занжорий** *қ.* **ёқут** I.

ЗАНТАЛОҚ [*ф.+а.* زن‌طلاق – талоқ қилинган (бўлган) хотин] **1** *айн.* **хотин талоқ** *қ.* **талоқ.**

2 *сўк.* Қуриб кеткур, қургур; лаънати, савил. *Занталоқ носни чекканингдан кейин чўллатади, бир нарса ичмасанг, кишини абгор қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ғани ота кулди: -Сенга* [*қора йўрға*] *насиб бўпти, ол, Абдураҳмон занталоқнинг меросхўри.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЗАНҒАР [*ф.* زنغر – бузуқ, ахлоқсиз аёл] **1** Бузуқ йўлга кирган, суюқоёқ аёл; хотини бузуқ кимса.

2 *сўк. айн.* **занталоқ 2.** *Гап билан бўлиб занғар кайф ҳам тарқаб кетди, қани, қуйчи бир-иккини.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Мўғул занғар тек ётмай, хитойдин кўп нарса ўрганган экан, — деди Инолчиқ ўйланқираб.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Нега ўзин сир тутади, Ҳатто билмас йигитлари, Номи элни қўрқитади, Қайдан ўзи у занғари.* Т. Тўла.

ЗАНҒИМОҚ *шв.* Қалтирамоқ, титрамоқ. *Фариданинг оёғидан совуқ ўтиб, иликлари занғий бошлади.* «Ёшлик».

ЗАП *с. т.* Заб.

ЗАПАЛ [*р.* запалить – ёндирмоқ, ўт олдирмоқ] Портловчи моддаларни, отилувчи ўқ-дориларни ўт олдирувчи мослама; пилта. *Отлиқлар талвасада қолишди. Улардан бири: «Ҳой, эсингни ема», деса, иккинчиси: «Запални чиқар!» дерди Ражабовга.* Н. Сафаров, Оловли излар. *-Гранатам қолмади. Сенда борми? -Битта бор. Ҳозир запални тўғрилаб бераман.* О. Ёқубов, Излайман.

ЗАПАС [*р.* запасти – асрамоқ, авайламоқ] **1** Келажакда фойдаланиш ёки бирор мақсад учун жамғариб, ажратиб қўйилган нарса; захира. *Ёқилғи запаси.* ▬ *Ваҳобжоннинг жуда жаҳли чиқиб кетди. Бу қандай гап! Запас ғилдирак бўлганда ҳам бошқа гап эди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. [*Турсунбой*] *Озиқ-овқат запасларини кўздан кечирди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Учувчиларда ўн кунлик ёнилғи запаси бор эди.* Газетадан.

2 Эҳтиёт шарт, зарурат учун тайёрланган кимса ёки нарса. *Машинанинг запас қисмлари. Запас ўйинчи.* ▬ *Милтиқ овозлари хандақларнинг ичкарисидаги запас пистирмаларгача етиб борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Қазилма бойликларнинг ер остидаги, ҳали фойдаланилмаган миқдори. *Нефть запаслари.*

4 *кўчма* Кишининг маънавий-маърифий соҳалардаги бойлиги, билим даражаси. *Сўз запаси. Билим запаси.*

5 *с. т.* Тикувчиликда матонинг кийим чоклари остида атайлаб, кейин қўшиб юбориш учун қолдириладиган ортиқча қисми. *Енгнинг запаси.*

Запасдаги офицер Зарур вақтда ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин бўлган, алоҳида рўйхатда турган офицер. *Яқинда запасдаги офицерлар йиғилишиб, амалга оширилган ишларга якун чиқаришди.* Газетадан.

ЗАПОВЕДНИК [*р.* заповедник – дахлсиз, сақланадиган жой, ҳудуд] *қ.* **қўриқхона.**

З**АПОНКА** [*р.* запона – металл тўғноғич] Эркаклар, шунингдек, аёллар кўйлагининг енгига ёки галстукка тақиладиган безакли тўғнағич.

ЗАПРАВКА [*р.* заправить – «тўлдирмоқ» фл. дан ясалган от] *с. т. махс.* Машина, трактор, самолёт ва ш. к. га ёнилғи, мой қуйиш жойи. *Кўп юрмай, Узоқжонов машинани заправка томон бурди.* Газетадан. *Автомобиль заправка олдига келиб тўхтагач, унинг баллонларига газ ёнилғиси тўлдирилди.* «Фан ва турмуш».

ЗАПРАВКАЧИ Машина, трактор ва ш. к. га ёнилғи қуювчи шахс, заправка ишчиси. *-Фонд бўйича кунига 1,1 тонна ёнилғи олишимиз кераклигини биламиз, – деди «Бошчорбоғ» хўжалиги заправкачиси Яхшибой Фармонов.* «Муштум».

ЗАПТ *с. т.* Забт. *Иссиқ бирмунча бўшашгандек туюлса ҳам, димлик заптида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗАР [*ф.* زر – олтин] **1** Олтин, тилла. *Зар қадрини заргар билади.* Мақол. ▬ [*Ҳусайн:*] *Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса, юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда бераман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Норга ортинглар зарингни, Хотин, бола-чақаларингни.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 *кўчма* Олтин билан тенг, олтинга ўхшаш нарса ҳақида. *Тошлар устига дўланадай-дўланадай йирик томчилар тушиб, атрофга зар кукунлари сочилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Қора зар Нефть ёки тошкўмир ҳақида. *Қоратоғ қўйнига қўл солди одам, Ўлка учун қора зар олди одам.* Миртемир.

3 Тилла, пул, умуман бойлик. *Тер тўкиб меҳнат қилсанг, ердан ҳатто зар унар.* Мақол. ▬ *Меҳрни ўлчаб бўлурми зар билан, инжу билан?* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Саройга бордим-у, пул олганим йўқ, Шаҳаншоҳнинг, деди, олтин, зари йўқ.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Бошидан зар қуймоқ Бойликка, олтинга кўмиб ташламоқ. [*Жамила бойга:*] *Ўша қаролингизни яхши кўриб текканман, бошимдан зар қуйсангиз ҳам, ундан айрилмайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Зардўзликда зарбоф тўн, зар дўппи ва б. тайёрлашда ишлатиладиган, олтин ёки кумуш суви юритилган, зарланган ипак ёки сим; шундай ипак ёки симдан тикилган кийим. *Зар билан тикилган дўппи. Зар рўмол.* ▬ *У.. зар ёки кимхоб тўн ичида.. одамлар ўртасида савлат тўкиб турибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Безак ёки ўров учун ишлатиладиган юпқа ялтироқ металл варағи ёки зарҳалланган қоғоз. *Зар қоғоз. Зарга ўралган попук (конфет)лар.* ▬ *Арча ҳар хил шаклдаги зар*

қоғозлар ва бошқа ўйинчоқлар билан безатилган. К. Яшин, Ҳамза.

ЗАРАНГ I [*ф.* زرنگ – ёғочи қаттиқ дарахт] **1** Кунгурадор, япалоқ баргли, ёғочи қаттиқ дарахт. -*Биласизми, – деди у* [*Чўнжар*] *рўпарасидаги заранг дарахтининг нурда товланган шапалоқ баргларига мамнун тикилиб, – тўққизинчи шахтамизнинг ўзида ўттиз миллатнинг вакили ишлайди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

2 Шу дарахт ёғочидан ясалган (идиш, ҳасса, ўқ-ёй, эгар ва б.). *Корсонда қимиз келди. Бек бир-икки зарангни ичгандан кейин ясланиб, кўкка қараб ётиб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мубораакнинг отаси қишда дурадгорлик қилар, эшик, бешик, сандал, заранг товоқ ясарди.* С. Нуров, Нарвон. *Даҳо заранг таёқнинг чангини кафтлари билан сидириб ташлади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

ЗАРАНГ II [*ф.* زرنگ] Зичланиб кетган, қаттиқ, берч (ер ҳақида). *Улкан экскаваторлар одам қадами тегмай ётган ёввойи заранг ерлар тўшини тилка қилмоқда.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Анвар заранг ерни қарсиллатиб тепганча югуриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Тарс ёрилган заранг ерлар устида қизил қанот чигирткалар учиб юради.* М. Осим, Элчилар.

ЗАРАНГЛИК Қаттиқлик, берчлик. *Кетмон билан чопишга ер зарангликк қиляпти.*

ЗАРАНГЗОР Фақат заранг дарахти экилган ер. *Герман борган жой санаторийга ўхшарди: қайинзор, зарангзорлар орасида кичик коттежлар кўриниб турар эди.* Газетадан.

ЗАРАР [*а.* ضرر – шикаст, зиён; йўқотиш] **1** Шикаст, бузилиш; зиён-заҳмат. *Залда ҳамма бир нарса тўғрисида гаплашарди: «Дўл қаттиқ ёғди. Ғўзага зарар қилмасмикан?»* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Савдо-сотиқда(н) кўрилган зиён; умуман, моддий ютқизиқ. *Тарвузи қўлтиғидан тушган директор театрга бир юз етмиш сўму тўрт тийин зарар келтирган шу томошабиннинг ёқасидан бўғиб, кўчага опчиқиб ташлагудек ўқрайди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Ўзингизга маълум, савдо аҳли зарарни ёқтирмайдиган, фойда талаб халқ бўлади.* К. Яшин, Ҳамза. *Биздан Мирзакаримбой ҳеч вақт зарар кўргани йўқ. Пахта йилдан-йилга мўл бўлиб, фойдаси ҳам ошиб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Киши организмига, соғлигига ёмон таъсир; жисмоний зиён, шикаст. *Тамакининг зарари.*

Зарар бермоқ Шикастламоқ, ярадор қилмоқ. *Кумуш, отасининг олдига қанот ёзган каби югуриб, унинг соқолини силар экан, сўради: -Сизга зарар бермадиларми, отажон?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Зарари йўқ** Ҳечқиси йўқ, зарарсиз, ҳеч нарса қилмайди. *Зарари йўқ, Раҳим ота, ҳозирги хизматингиз ҳам ёшларникидан қолишмайди* [*деди Назаров*]. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. -*Зарари йўқ, паккини олиб келинг, янгисини қазиймиз! – деди Зойиржон кулумсираб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Зарари тегмоқ** Моддий ёки жисмоний зиён, шикаст етказмоқ; ёмонлик қилмоқ. *Ишқилиб, дўстларига зарари тегмаса бўлди – бошқасидан қўрқмайди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тутса.

ЗАРАРКУНАНДА [зарар + *ф.* کننده – қилувчи] **1** Зарар келтирувчи, зарар етказувчи. *Улар деҳқонлар билан ҳамкорликда зараркунанда ҳашаротлар кўпайган майдонларга сунъий равишда урчитилган триходерма ҳашаротларини қўйиб юборишибди.* С. Нуров, Нарвон. *Баъзи жойларда ғўза зараркунандалари пайдо бўлиб, ишни анча оғирлаштирди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Жамиятга зарар келтирувчи кимса; жиноятчи, жиноятткор. *Агар юқори ташкилотлар аралашмаса, Отахўжа ака зараркунанда деган туҳмат билан қамалиб кетиши мумкин эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ЗАРАРКУНАНДАЛИК Зарар етказишлик, зарар келтиришлик, зиёнкорлик. [*Муҳаббат:*] *Мен ўйлайманки, Ҳасанжон кўрабила туриб бирор зараркунандалик.. қилмаган.* С. Айний, Қуллар.

ЗАРАРКУНАНДАЧИЛИК *қ.* **зараркунандалик.** -*Бу тўйлар нуқул зараркунандачилик, — Азизов яна гап бошлади, — буни алоҳида масала қилиб, юрт олдига қўйиш керак.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ЗАРАРЛАНМОҚ 1 Яраланмоқ, шикаст емоқ. *Давроннинг қовоғига ўқ парчаси тегиб, шилиб кетган, кўз қорачиғи ҳам зарарланган эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Шикастланмоқ, ярокссиз ҳолатга келмоқ, ишдан чиқмоқ. *Ёз! Биринчи: ҳозир назорат остида бўлган ғўзаларни текшириб, буларнинг асосий шохи қачон зарарлангани-*

ни белгила [*деди Иван Петрович*]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЗАРАРЛИ 1 Моддий жиҳатдан зарар, зиён келтирадиган; бефойда. *Зарарли иш. Зарарли битим.*

2 Киши маънавиятига, онгига салбий таъсир кўрсатадиган, зиёнли. *Зарарли фикрлар. Зарарли одатлар.* ▬ *Хурофотларнинг пуч, бемаъни ва зарарли эканини содда тилда тушунтириш керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Зарар, шикаст етказувчи, офат келтирувчи; заракунанда. *Зарарли ҳашаротлар. Чекиш зарарли.* ▬ *Ҳаммага маълумки, ҳавода зарарли микроорганизмлар кўп бўлади.* Газетадан. *[Ёнғоқ] Зарарли ҳашаротларга қирон келтиради.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ЗАРАРСИЗ 1 Моддий зиён келтирмайдиган, безарар.

2 Зиён-заҳмат етказмайдиган, безиён; шикаст етказмаган ҳолда. *Зарарсиз дори.* ▬ *У.. айниқса дарё ва ботқоқлик ерлардан қўшинларни тез ва зарарсиз олиб ўтиш усуллари билан танишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *кесим взф.* Зарари йўқ, бехатар, хавфсиз. *-Ўзига жароҳат олганми? — деб сўради қутидор. -Бўксаси билан қўлидан яраланган бўлса ҳам, зарарсиздир [деди Уста Олим].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАРАРСИЗЛАНТИРМОҚ Зарар бермайдиган, зиён, шикаст етказмайдиган қилмоқ. *Бактериал ифлосланган оқар сувни зарарсизлантириш учун дезинфекцияланади.* «Фан ва турмуш». *Бу орада сапёрлар йўлнинг шу участкасида қўйилган еттита минани зарарсизлантиришди.* Газетадан.

ЗАРАФШОН [*ф.* زرافشان — зар сочувчи] Зар сочувчи; тилладек товланувчи; ярқировчи, ялтироқ. *Юртинг қаер, қайси элдан келасан? Зулфи зарафшоним, қайдан бўласан?* «Равшан». *Аваз ирғиб туриб, токчадаги бир даста қоғозлар орасидан варақлари зарафшон қилинган катта куллиёт кўтариб келди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗАРБ [*а.* ضرب — уриш, калтаклаш; туртки; кўпайтириш] **1** Қаттиқ урилиш; шиддатли, залварли туртки, зарба, куч. *Эшикни зарб билан ёпмоқ.* ▬ *Ҳаво тўлқини зарбидан дарахтлар эгилар, шохлари синиб тушарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бироқ навкарнинг оти сакраш зарбидан чўчиб, ҳуркиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қилич зарбидан Хонзода бегимнинг бошидаги бўрки учиб кетди-ю, узун сочлари ёйилиб, елкасига тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қаттиқ уриш, калтаклаш, муштлаш. *Калтак зарбидан бола юзини чангаллаб қолди.* Газетадан. *Тарро биринчи зарбдаёқ ёнбошига ағдарилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор нарсанинг ритмик ҳаракати, бир текисда уриб туриши, тепиши. *Юрактомир зарби.* ▬ *[Сув] Ўз йўлида учраган ҳайбатли тошларга зарб билан урилиб.. қирғоққа ҳалқа-ҳалқа кўпик сочмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Зарб емоқ Қаттиқ урилиш, туртки натижасида шикаст тортмоқ. *Йиқилиб қаттиқ зарб едим.*

4 *эск. мат.* Кўпайтириш усули, амали. *Иккини учга зарб қилмоқ.* ▬ *Механизм иш унумини юзга, мингга зарб уриб юборади, деган гап рост экан.* У. Саримсоқов, Олтин калит қўлимда.

5 *мус.* Чолғу асбобини чалганда куч ва ритм билан торларни чертиш ёки доирани уриш. *Дуторчининг зарби яхши.* ▬ *Успенский ўзбек музикасининг табиатини билар, ўз асарларида унинг оҳанг, зарб ва пардаларининг ўзига хос интонация ҳамда ритмикасини сақлаб қола оларди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

Зарб этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) 1) танга-чақа, пул, орден ва ш. к. ни босиб чиқармоқ, чекмоқ; 2) акс эттирмоқ, аксини туширмоқ. *Малика жанг лавҳалари зарб этилган кумуш қалқонни қўлига олди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ЗАРБА [*а.* ضربه — уриш, туртки, зарб] **1** Кучли, шиддатли, залварли туртки, урилиш; қаттиқ зарб. *Боксчининг зарбаси. Ҳужумчининг кучли зарбасидан сўнг ҳисоб очилди.* ▬ *Ер бора-бора кучга бўйсунади. Йўлчининг зарбаси остида тўнкалар ялангғочлана, ўзининг қўпол, баҳайбат гавдасини кўрсата бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Яксон этувчи, йўқ қилувчи, шикастловчи кескин ҳаракат, шиддатли ҳужум. *Шиддатли зарбадан душман талвасага тушиб қолди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Мирзо Улуғбек давом этди: -Иншоолло, пайдар-пай зарба билан душманни пароканда қилиб, тор-мор этамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Зарба бермоқ Шиддатли ҳужум билан яксон қилмоқ, йўқ қилмоқ; шикастламоқ; ёмонлик қилмоқ. *Шимолий Кавказда — Молгабек районида Насруллаев қисми душманга қақшатқич зарба бериб, шуҳрат қозонди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Шилин бошлиқ жангчилар сув билан олишар, қирғоққа чиқиб олиб, душманга зарба беришга ошиқар эдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Зарбага учрамоқ** Қаршиликка дуч келмоқ; танқидга учрамоқ, қаттиқ танқид қилинмоқ. *Унинг [Жамоловнинг] сўнгги китоби зарбага учради.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 *кўчма* Оғир кулфат, қаттиқ руҳий шикаст, зиён-захмат; турмуш қийинчилиги. *Ғуломжон сўнгги зарбанинг [отаси вафотининг] оғир жароҳатидан узоқ вақтгача тузала олмай юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗАРБАЛИ Катта, залварли кучга, зарбага эга бўлган, зарбдор. *Зарбали куч. Зарбали тўлқин.* ▬ *Ҳаётнинг биринчи зарбаси Ваҳобжонга ана шундай қаттиқ тушган эди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. [*Отабек*] *Ҳаётнинг зарбаси ҳар кимнинг ўз даражасига қараб ва лекин истисносиз бўлганлигини тушунди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАРБДОР [*а.+ф.* ضربدار — зарбага эга, зарбли] **1** Ишни тез ва ортиғи билан бажарадиган ва бошқаларга ҳар жиҳатдан намуна бўладиган ходим, ишлаб чиқариш илғори. *Зарбдорларнинг олдида Ерга қарамай, Нормадан ҳам оширдим Ишни бир талай.* Ғайратий. *Меҳнат зарбдорларининг ҳар бири таҳсинга лойиқ.* Газетадан.

2 Жадал суръатлар билан ишлайдиган ёки иш олиб бориладиган. *Зарбдор бригада. Зарбдор қурилиш.* ▬ *Сентябрь ойи йиғимтеримда зарбдор ой бўлади.* Газетадан.

3 Шиддатли, кучли зарба етказиш учун белгиланган ёки тайёрланган. *Зарбдор армия. Зарбдор батальон.*

ЗАРБДОРЛИК Тез суръатлар билан кўп ишлашлик; маълум зарбага, катта кучга эгалик. *[Матқовул:] Ҳой болалар, ҳамма гап ғайратда, зарбдорликда.* К. Яшин, Асарлар.

ЗАРБЛИ *айн.* **зарбали, зарбдор.**

ЗАРБДОРЧАСИГА Зарбдор каби, кўп ва тезкор, мардонавор. *Оқсоқоллар далаларда зарбдорчасига ишлаш билан барчага намуна бўлмоқдалар.* Газетадан.

ЗАРБОФ [*ф.* زرباف — зарли мато тўқувчи; зардан тўқилган] Зар қўшиб ёки нуқул зардан тўқилган мато; кимхоб; шундай матодан тайёрланган кийим. *Бир кийимлик зарбоф. Зарбоф тўн.* ▬ *Ўртада қози, унинг бир ёнида ҳокимга аталган кимхоб тўн билан Содиқ амин, иккинчи ёнида зарбоф тўн билан Ҳоким бойвачча турар эди!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тўрда, зарбоф тўшак устида ўтирган Шамсуддавла бўзариб, «ҳай, нонкўр!» деб бақирди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Нури.. зарбоф паранжини ёпиниб, ҳовлига чиққанда, катта ҳовли хотинлар билан қайнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗАРБУЛМАСАЛ [*а.* ضربالمثل — турли масаллар, мақоллар**]** Рамзли гап, ҳикоя; масал. *Луғатда достон, зарбулмасал, қўшиқ ва маталлардан олинган мисоллар ҳам кўп.* «Фан ва турмуш».

Зарбулмасал бўлмоқ Машҳур бўлмоқ, танилмоқ; кулги бўлмоқ. *Мулла Муҳсин.. кўп вақт [кўрувчи ва эшитувчилар] оғизларида зарбулмасал ҳам бўлиб юрийди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЗАРБХОНА [*а.+ф* ضربخانه — танга зарб қилинадиган жой] Танга, орден, медаль ва ш. к. зарб қилинадиган корхона. *Унда* [*кўҳна аркда*] *зарбхона.. ёзги мачит ва элчиларни қабул қиладиган жойлар бор.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тарихий ҳужжатларга қараганда, Арк ичкарисида зарбхона бўлиб, 1918 йилда бу ерда олтин, кумуш тангалар ва қоғоз пуллар ишлаб чиқарилган.* Газетадан.

ЗАРВАРАҚ [*ф.+ а.* زرورق — тилларанг юпқа металл варағи] **1** *айн.* **зарбоф.** *У киши [раис]нинг зарварақ тўни, оппоқ соқоли, тўн ичидан бойлаган феруза, ёқут кўзли кумуш камари ўт шуъласида ялтиллар, лекин юзи аниқ кўринмасди.* Ҳ. Шамс, Характеристика. *Ҳўқанди латиф ва шаҳарлар шоҳи Марғилон кўчаларида зарварақ тўн кийиб, симоби салла ўраган бойлар ёнидан жулдур жандали дарвешлар ўтардилар.* Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади.

2 *кўчма* Олтин саҳифа. *Олтин умримизнинг яна бир зарвараги ортда қолди, Ватан солномасининг янги саҳифаси очилди.* Газетадан.

3 *тар.* Қўлёзманинг безакли варағи. *Фронтиспис — зарварақ бадиий қўлёзма таркибига китоб безашнинг асосий элементларидан бири сифатида кирган.* «ЎТА».

ЗАРГАР [*ф.* زرگر – тилла буюм ясовчи] **1** Олтин, кумуш ва турли қимматбаҳо тошлардан зеб-зийнат буюмлари ясайдиган уста. *Заргар қўлда ишлайди, бу эса аниқликни, батартибликни талаб қилади.* Газетадан. *Хоразм тупроғида етилган тотли мевалар, туркман отлари, эроний гиламлар, Хива заргарлари зийнатлаган тилла буюмлар, тойтой ипак ўрамлари император ҳазратларига пешкаш қилинди.* С. Сиёев, Аваз. *Заргар ясар тиллақош, Келинчаклар тақсин деб.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма* Бирор соҳанинг етук устаси. *Моҳир сўз заргари Алишер Навоий ҳар бир ижрочининг маҳоратига қисқа-қисқа, лекин мантиқан кучли, аниқ характеристика беради.* Газетадан. *Мўл-кўл ҳосил етиштириш учун деҳқонлар заргар каби ишлашлари даркор.* Газетадан.

ЗАРГАРЛИК 1 Заргар ҳунарини эгаллаганлик; қимматбаҳо металлар ва тошлардан безаклар ясаш. *Заргарлик санъати энг кўҳна санъатлардан бири бўлиб, у декоратив-амалий санъат хили сифатида кенг тарқалган.* Газетадан. *У* [*Уста Ориф Бухорий*] *..наққошлик ва заргарликдан то сартарошликкача нодир одам.* Ойбек, Навоий.

2 *тар.* Бозорда заргарлар жойлашган раста, қатор; заргарлар яшайдиган маҳалла.

ЗАРДА [*ф.* زرده – тухум сариғи; сафро] **1** Ўт, сафро.

2 Жаҳл, ғазаб, дўқ, бақириш. *Нусратбек унинг товушидаги зардани пайқади.* С. Нуров, Нарвон. *Домламизнинг зардалари ёмон ва аччиқлари тез..* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ёдгор Дилшоднинг унга яна зарда аралаш қараб қўйганини илғаб олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Зардангиз қурсин, ҳар вақт дўқ билан гапирасиз!* Ойбек, Танланган асарлар. *Валиев атайлаб зарда билан гапирган бўлса-да, аслида раисдан мамнунлиги сезилиб турарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Зардаси тутмоқ Жаҳли чиқмоқ *Султонов зардаси тутса ҳам индамади, бағрини ерга бериб, бошини кўтармай ётаверди.* М. Мансуров, Ёмби. **Зардаси қайнамоқ** 1) жиғилдони безовта қилмоқ. *-Худди қўрғошин ютгандайман, кўкрагим оғир. Мана шу еримни боссам, оғрийди. Қайт қиламан. Зардам қайнаб туради, – деди Саидий.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) *кўчма* жаҳли чиқмоқ, ғазабланмоқ. *Муса кўсанинг зардаси қайнаб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *..ҳамон йигитлик ғайрати сўнмаган Тўламат полвон тракторчининг бу гапидан зардаси қайнади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Зарда қилмоқ** Жаҳл қилмоқ, ғазабини сочмоқ. *Шундан кейин Раҳим бизга зарда қилди: -Мен сенларга қўшилмайман.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Аям нимага зарда қиляпти? -Мен ҳам билолмай хунобман, – деди Ёрқиной.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЗАРДАБОЗЛИК Ҳадеб зарда, жаҳл қилишлик. *Зардабозлик, асабийлик, дағдаға билан иш битмайди.* Газетадан.

ЗАРДАК [*ф.* زردک – сабзи] *шв.* Сабзи.

ЗАРДАЛИ 1 Жаҳлли, жаҳли тез, серзарда. *Бўта шу топда Содиқ таранғнинг зардали юзини кўз олдига келтирган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Жаҳл ёки ғазабни ифодалайдиган, жаҳл аралаш. *-Даставвал Бўтавой деган балони оёқдан йиқиш керак, — деди Азимбойвачча зардали, лекин сурнайдек ингичка овоз билан.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Назар шу алфозда – уфқларга бир оз зардали, лекин қатъият билан тикилиб туришида Козимга ёқиб кетди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЗАРДЕВОР [*ф.* زرديوار – зарли девор] Деворга шифтга тақаб осиб қўйиладиган, зарли ип ёки ипакдан ҳар хил гуллар, нақшлар тикилган мато. *Дордаги кийим-кечаклар, хилма-хил чойшаб, сўзана, зардеворлар кўзни қамаштиради.* К. Яшин, Ҳамза. *-Кеннойим.. ҳадеб қизга атласлардан кўрпаю тўшагу гулкўрпалар, зардеворлар, хилма-хил молларни йиғади, – дейди Мусавой.* Ойбек, Болалик.

ЗАРДОБ [*ф.* زرداب – сафро; ярадан оқаётган сариқ суюқлик] **1** Қатиқ ёки ивиган сутдан ажралиб чиқадиган сарғиш суюқлик. *Сутга ёки қатиқ зардобига қорилган хамирдан тайёрланган нон хуштаъмлик хоссасига эга бўлади.* «Фан ва турмуш». *-Ҳа, айтгандай, сал бўлмаса эсимдан чиқай депти, кейинроқ хурмачанинг устини очиб қўйгин, ўзинг биласан-ку, болам, яна, зардоб йиғиб, уйимай қолмасин.* С. Анорбоев, Шерали.

2 Касалланган ёки жароҳатланган аъзодан ажралиб чиқадиган суюқлик. *Шакар қўшиб истеъмол қилинадиган толқон – зардоби қайновчи барча кишиларга даводир.* Газетадан.

3 *тиб.* Қон ва лимфанинг ивишидан ҳосил бўладиган суюқлик ва ундан тайёрланадиган суюқ дори. *Даволаш учун юбориладиган дорилар ўртасида ҳозирги кунда зардоб* [*сиворотка*] *вакциналар сони ортиб бормоқда.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

4 *кўчма* Дард-алам. *Шаҳзодахон шуларни ўйлайди, юрагига йиғилиб, унга тобора озор бераётган зардобни қандай бўшатиш йўлини излайди.* К. Яшин, Ҳамза. *Эвоҳ. Бу ҳам тўхтамади, ўтди. Қалбга зардоб бўлиб томди ўкинчи.* А. Мухтор.

Зардоб ютмоқ Дард-алам чекмоқ. *Суҳбат қилсанг Зуҳра билан гулбоғда, Мен яширин зардоб ютдим шу чоғда.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Бекларнинг ишқидан зардоб ютаман, То ўлгунча бекларни ёд этаман.* «Юсуф ва Аҳмад». **[Юраги] зардобга тўлмоқ** Дард-аламга ботмоқ. *Хўп, майли, ўзим ҳам ётавериб, юракларим зардобга тўлиб кетди.* Н. Аминов, Суварак. *Ёқубжон негадир зардобга тўлиб ўтирган экан, шекилли, дўнғиллаб жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ибн Сино шуларни ўйлаб, юраги зардобга тўлди-да, кўзининг бир чеккасидан юмалаб чиққан ёшни бармоғи билан артди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЗАРДОЛИ [*ф.* زردآلو – сариқ олхўри] *шв.* Ўрик дарахти ва унинг меваси. *Бу вақтда ота-она зардоли остидаги чорпояда чойхўрлик қилишаётганди.* «Ёшлик». *Зардолилар пишипти, Тор кўчага тушипти.* О. Собиров, Келиной. *Бирини сотдик, бирини кесдик. Қишлоқ жойда туриб, зардолини шаҳардан сотиб оламиз.* «Ёшлик».

ЗАРДОР [*ф.* زردار – зарли, зари бор] *кт.* Зари кўп, зарли. *Ипаклик чопонларни кийиб, устидан шойи белбоғ билан боғлаган, амиркон этикни кийиб, зардор қалпоқни бошига қўйиб, бошлиқ кўзига кўринган.* С. Айний, Қуллар.

ЗАРДУШТ, зардушти [*ф.* زردشت – зардуштийлик асосчисининг номи] Зардушт асос солган оташпарастлар динига эргашувчи, сиғинувчи одам. *Бош устингдан ўтди кўп замон, Ўтди ислом, ўтди зардушти.* А. Орипов.

ЗАРДУШТИЙЛИК Зардушт асос солган, милоддан аввалги 7–6-асрларда пайдо бўлган оташпарастлик дини; мажусийлик.

ЗАРДЎЗ [*ф.* زردوز – зар тикувчи] **1** Кийимга зардан гул, нақш тикувчи, чевар. *Бухоро зардўзлари тайёрлаган маҳсулотлар жаҳонга машҳур.* ■ *Зардўзларнинг тиллаларида Товланади заррин бир шаҳар.* А. Шер.

2 Зардан тикилган буюм. -*Меъмор ҳазратларининг зардўз чопонлари маҳкамада шай турибди, – деди.* [*Ҳожи табиб*]. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЗАРДЎЗИ *қ.* **зардўз 2.** *Зардўзи кавуш.* ■ *Саломатхон, эгнида атлас кўйлак, бошида зардўзи дўппи, қўлида бир тутам райҳон, ўзини қизларнинг қучоғига отди.* О. Ёқубов, Излайман. *У зардўзи кўрпачалар тўшалган танобийга тўрдаги эшикдан кириб келди.* П. Қодиров, Бобур.

ЗАРДЎЗЛИК 1 Зардўз касби. *Ғулом ота.. зардўзлик касбининг сирларини ота-бувасидан, машҳур халқ усталаридан ўрганган.* Газетадан.

2 Зар қўшиб буюм тикиш. *У ўн уч ёшида зардўзлик фабрикасига ишга кирди.* «Саодат».

ЗАРДЎЗЧИ *айн.* **зардўз 1.** -*Бўлмаса, анови зардўзчи опани киритамизми? – деди Парваришов.* «Муштум».

ЗАРИК *шв.* Хурмача.

ЗАРИЛ *айн.* **зарур.** *Эртага қўйни сен боқ, зарил ишим чиқиб қолди, бирор кун қайтарарман, дедим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. -*Шу ярим кечада нима зарил иши боракан? – деди Фазилат опа чакмонни олиб чиқар экан.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Раҳмат, Румияхон, кечирасиз, машина усулида суғориш тўғрисидаги китоб зарил бўлиб қолганди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Рассом бўлишликка тоқатим ҳеч йўқ, Чунки зарил бунда ғалат истеъдод.* А. Орипов.

Зарил келибдими *ёки* **нима зарил** *айн.* **зарур келибдими** *қ.* **зарур.** -*Битта хотинни боқолмасангиз, нима қилардингиз уйланиб. Ишга кириб менга зарил келибдими! – деди Аҳмаджонга хотини.* «Саодат». *Ёдгор бўйни музлаб кетганини пайқаб, плашининг ёқасини кўтариб олди-да, тез-тез юриб кетди. Симёғоч тагида турган йигит билан қизни кўриб, кулиб қўйди. «Шу ҳавода нима зарил?».* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЗАРИФ [*а.* ظريف – ғоят гўзал; ақл-заковатли] **1** Тез фаҳмлайдиган, зийрак, идрокли. *Бозорчилар тожикчани биладиган бу мулойим, зариф кишидан* [*Муқимийдан*] *жуда миннатдор эдилар.* С. Абдулла, Қувғинда.

2 Жуда гўзал, зебо, нафис. *Боғлар яна хушрўй, зариф, Йўллар яна кўп обод.* Т. Тўла.

3 Зариф (эркаклар исми).

ЗАРИФА *қ.* **зариф 1.** *Миллатнинг буюк ўғлонлари, оқила ва зарифалари сўзлаганда, уларни жон қулоғимиз билан эшитамиз.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Зарифа (хотин-қизлар исми).

ЗАРКАМАР [*ф.* زرکمر – зарли камар] Зар, тилло қўшиб ясалган камар. *Белида заркамари ҳам, рамзий ханжари ҳам йўқ.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Субҳидам қўлга олай заркамар белбоғимни, Каштам узра мен солай чаманли гул боғимни.* Э. Охунова.

ЗАРКОКИЛ [*ф.* زرکاکل – зарли гажак, кокил] *этн.* Хотин-қизларнинг соч ўримларига тақадиган, кумуш тангаларни бирбирига занжир каби улаб ясалган безак буюми. *Ёримнинг заркокили Тушибди товонига.* «Оқ олма, қизил олма». *Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, билагузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби.. буюмлардан қути-қути йиққан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗАРЛИ *фольк.* Зар қўшиб тикилган. *Равшанбек айни ўн уч ёшида, Зарли қалпоқ бошида.* «Равшан». *Тангрим кечирсин-да қилган хатомни, Белима бойлайин зарли пўтамни.* «Баҳром ва Гуландом».

ЗАРНИГОР [*ф.* زرنگار – тилла нақшли] Зар билан қопланган; заррин. *Шамсаси эл моли била зарнигор.* Ойбек, Навоий.

ЗАРОФАТ [*а.* ظرافت – зукколик; гўзаллик] Ҳозиржавоблик, қочирим гапларга усталик. *Чокар ҳазилга, зарофатга ўч йигит эди.* С. Сиёев, Аваз.

ЗАРПЕЧАК [*ф.* زرپیچک – буралиб ўсадиган сарғиш ўсимлик] Ўсимликлар танасига чирмашиб, уларнинг ҳисобига яшайдиган баргсиз, ингичка ёввойи сариқ ўсимлик. *Зарпечак мўр-малахдай кўпайиб, ўсимликларнинг танасига ёпишиб, ширасини сўриб ётаверади.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Карантинчиларга баҳона керак. Бир тўп зарпечакни кўришса, бас, акт тузиб, жаҳонни заҳар-заққумга ботириб юборишади.* С. Нуров, Нарвон.

ЗАРРА [*а.* ذرّه – бўлакча; чанг; атом] **1** Моддаларнинг кўзга кўринар-кўринмас кичик, майда бўлаги. *Металл зарралари.* ▬ *Қум зарралари қуёш нурида товланиб ялтиради.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Назокат чархпалакларнинг ғириллаб айланишини, кувачалардан новга тўкилаётган сув зарраларини энди кўраётгандек гашт билан қадам ташлар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *рвш.* Озгина, оз, жуда кам. *Кўк юзида зарра булут йўқ.* Ш. Ғуломов, Ташаббус. *Меҳнатсевар халқимизнинг тўккан тери, сарфлаган меҳнати зарра бўлса ҳам зое кетмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЗАРРАБИН [*а.* ذرّه – бўлакча + *ф.* بین – кўрувчи] Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсаларни катта қилиб кўрсатадиган оптик асбоб; микроскоп. *Ручкани оқ қоғоз устига ташлаб, заррабинни четга сурди.* С. Нуров, Нарвон.

ЗАРРАМА-ЗАРРА *рвш.* Оз-оздан, камкамдан, мисқоллаб. *Баҳор бўйи, ёз бўйи заррама-зарра йиққан бунёдини буюк саховат билан деҳқон этагига тўкаётган мана шу олтин кузда унинг юраги қафасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чунки ҳар бир қўшиқдан сўнгра Ҳислар қалқиб заррама-зарра, Гўзалликни англаймиз ортиқ.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

ЗАРРАЧА 1 *айн.* **зарра.** *Атомлар шу қадар майда заррачалардирки, уларни ҳатто микроскоп орқали ҳам кўриш қийин.* «Фан ва турмуш».

2 *рвш. взф.* Озгинагина, қиттак, бир оз. *Саидий шу кунги лекциялардан заррача ҳам баҳра олмади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЗАРРИН [*ф.* زرّین – тиллали; тилладан ясалган] **1** Зар қўшиб ишланган, зар қўшиб ясалган. *У* [*асир*] *шароб тўла мешларга ва заррин косаларга, овқат сузилган товоқларга ишора қилди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Ҳусайн Бойқаро.. заррин тўшак остидан бир мактуб чиқариб, шоирга узатди.* Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Олтиндай товланувчи, олтинранг; сариқ, сарғиш. *Бу ойда дарахтлар заррин япроқларини тўкади, майса ва ўт-ўланларни совуқ уриб нобуд қилади.* Газетадан. [*Темиржон*] *Аста юриб бориб, заррин қуёш шуъласида товланган зумраддек тоза майсалар устига ўтирди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ЗАРУР [*а.* ضرور – керак, лозим] **1** Бирор иш ёки эҳтиёж учун керак; керакли, даркор. *Зарур китоб.* ▬ *Бир деҳқонга пул зарур бўлиб қолиб, кўм-кўк тош нокларни бозорга олиб чиқибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Тез бажарилиши шарт бўлган, кечиктириб бўлмайдиган, муҳим. *Зарур масала. Бир зарур иш билан шаҳарга бордим.*

3 *кесим взф.* Даркор, керак. *Ёш бўлсамда, рўзғор тебратиш учун ота-онамга кўмаклашмоғим зарур эди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *-Йўқ, йўқ, синглим, — ялинди Раҳим Саидов. — Ўтинаман, ҳозир беринг. Жуда ҳам зарур.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

Зарур келибдими Нима кераги бор, ҳеч кераги йўқ. *Менга зарур келибдими? Киндик қоним тўкилган жойдан кечиб-а?* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Нима зарур** *қ.* **зарур келибдими**. *Ўзимни ўзим қийнаб юрган эканман. Менга нима зарур экан-а! Билганини қилишсин.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бизнинг кўнглимизга қўл солиш сенга нима зарур? Ўз ишингни билсангчи..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЗАРУРАТ [*а.* ضرورت — кераклик, эҳтиёж] **1** Бирор иш ёки нарсага бўлган эҳтиёж; муҳтожлик. *Зарурат туғилди. Зарурати йўқ.* ▬ *Аваз Матпано турадиган ҳужрага аҳёнда бир келарди. Тез-тез уни хабарлагани зарурат ҳам, фурсат ҳам йўқ.* С. Сиёев, Аваз. *Бу вафосиз дунёда истак ва заруратдан ташқари кўнгил деган нарса ҳам бор экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Табиий эҳтиёж, ҳожат. *Бектемиров Низомиддиновни зарурат учун ташқари чиққан гумон қилиб, келгунча чироқни ёқиб қўймоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЗАРУРИЙ Энг керакли, жуда ҳам зарур; талаб қилинган. *Биласанми, бўталоғим, табиий фанлар даврнинг зарурий эҳтиёжларидан вужудга келади, шу эҳтиёжларнинг йўналишига қараб ё юксалади, ёки инқирозга учрайди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЗАРУРИЯТ *айн.* **зарурат 1.** *Одатда, шеърият, шеър ҳаётий заруриятдан, маънавий эҳтиёждан дунёга келади.* «ЎТА». *Иш вақти давомида кишилар ижтимоий меҳнат масъулиятини тўла ҳис этиб, моддий неъматлар яратиш заруриятини ёрқин тасаввур қиладилар.* Газетадан.

ЗАРУРЛИК Жуда ҳам кераклик, эҳтиёж борлик, зарурат. *У киши.. илм ва маърифат йўлида жонбозлик кўрсатиб, мусулмон болаларини янги усул мактабларида ўқитиш зарурлигини чарчамай тарғиб этар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шу ерга сардоба зарурлиги кўриниб турибди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЗАРХАРИД [*ф.* زرخرید — сотиб олинган қул ёки каниз] *кт.* **1** *сфт.* Пулга сотиб олинган, олтинга тенг. *Зархарид ер. Зархарид мол.*

2 Пулга, тилла ёки кумушга сотиб олинган қул ёки каниз. *Инсон муштоқ аз нисёнаст.. Канизи бетамиз ҳамиша афв этуға лойиқдир, чунки зархарид [ўз] хўжасига содиқдир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЗАРЧА 1 *айн.* **зарчува.** *Дўппили одам ранги зарчанинг рангидай сариқ, мендайин бир кал экан.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 *шв.* Сариқ, сарғиш. *Хушрўй узун бўйли, қотмароқ ва зарча танли эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАРЧУВА [*ф.* زردچوبه — сариқ занжабил] Илдизидан овқатга сарғиш тус берувчи ва уни хуштаъм қилувчи зиравор тайёрланадиган кўп йиллик субтропик ва тропик ўсимлик; шундай зираворнинг ўзи. *Узоқ-яқиндан келган ёш-яланглар Ниёзохуннинг хуштаъм манти, хушхўр гўшткуйди, сермурч пармуда, зарчува, зира сингари дориворлар солинган лағмон, манпар.. сели жизиллаб оқиб турган тандиркабобларига роса ўрганишган.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗАРШУНОС [*ф.* زرشناس — тиллани билувчи, ўрганувчи] **1** Зар, олтин билан боғлиқ соҳада ишловчи шахс; заргар.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг қадр-қимматини яхши биладиган, унга етарлича, нозик дид билан баҳо бера оладиган киши. *Биз ўз асарларимизни халқ учун яратамиз. Шу асарларнинг асосий заршуноси бўлган халқ ҳаёт ҳақиқатига зид келган ҳамма нарсани қатъиян рад этади.* Газетадан.

3 *кўчма* Моҳир пахтакор, пиллакор. *Заршунослар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда, сифатини бузмаган ҳолда териб олишга пухта ҳозирлик кўрдилар.* Газетадан. *Бекоргами шаънингизга ҳурматлар, эҳтиромлар, Сизни бутун олам танир, заҳматкаш, заршуносим.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

ЗАРЯД [*р.* заряд < зарядить — «отиш қуролларини тўлдирмоқ, отишга тайёрламоқ» феълидан] **1** Патрон, снаряд ва ш. к. лардаги портловчи модда миқдори. *Портловчи заряд.* ▬ *Замонавий стратегик ракеталар ер куррасининг исталган районига ядро зарядини етказиши мумкин.* Газетадан.

2 *физ.* Электрланган жисмдаги электр миқдори. *Мусбат заряд. Электр заряди.*

ЗАРҒАЛДОҚ 1 *от* Чумчуқсимонлар туркумига кирувчи, қанотлари қорамтир, ўзи сариқ сайроқи қуш. *-Атрофимиздаги лолақизғалдоқлар, майса ўтлар тагида зарғалдоқлар сайрайди, осмондан сўфитўрғайларнинг овози эшитилади, — деди Усмон.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Зарғалдоқлар «чулу-лу» деб, тикан шохларга бемалол қўнади, совуқда жунжиккандек ҳурпайиб олади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

2 *сфт.* Тўқ сариқ ранг, тўқ сариқ рангли. *Сой бўйи кета-кетгунча гулзор эди. Бир қатор қизил, иккинчи қатор оқ, яшил, зангори, сариқ, зарғалдоқ ранг гуллар..* «Саодат». *Оловли шар катталашган сари унинг ранги кўзни кўр қилувчи тўқ қирмизи рангдан зарғалдоқ рангга ўзгарар эди.* Газетадан.

Зарғалдоқ шафтоли Шафтолининг меваси тўқ сариқ ва йирик бўладиган бир нави.

ЗАРҲАЛ [*ф.* زرحل — тилла суви, зар суви] **1** *от* Тилла, кумуш ёки бронза кукунидан тайёрланган ялтироқ бўёқ. *Зарҳал берилган пиёла. Зарҳал билан ёзилган шиор.*

2 *сфт.* Шундай бўёқ билан ёзилган, чизилган ёки олтин суви югуртирилган; заррин, зар билан қопланган. *Ичи заррин ипак, усти қимматбаҳо майин мовут билан қопланган бу чодирларнинг зарҳал чилвирлари кумуш қозиқларга боғланган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. [*Навоий*] *Зарҳал эшикни очиб, ичкари кирди.* Ойбек, Навоий.

3 *кўчма* Зардек нурафшон, ярқироқ. *Мана, олтин куз янги ерларга ҳам зарҳал чодирини ёзди.* Ш. Ғуломов, Бўз ерлик бўз йигитлар.

ЗАРҲАЛЛАМОҚ Олтин рангга бўямоқ, тилла ранги бермоқ. *Зарҳалланган чинни косалар.* ■ *Уй ўртасида зарҳалланган ёнғоқ ва турли хил ўйинчоқлар осилган арча турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЗАСТАВА [*р.* застава < заставить — «бирор нарса билан банд қилмоқ; тўсмоқ» феълидан] *ҳарб.* Чегарада соқчилик қилувчи ҳарбий қисм ва шу қисм жойлашган маскан, жой. *Капитан чегарага яқин атрофни зимдан кўздан кечириш ва ҳар бир шубҳали нарса ҳақида заставани хабардор қилиб туриш тўғрисида буйруқ берди.* Газетадан. *Уруш арафасида чегара заставасидагилар тез-тез айғоқчиларни ушлаб олишар, душман самолётлари ҳам кунора чегарамизни бузиб турарди.* А. Раҳмат, Фронт йўлларида.

ЗАТВОР [*р.* затвор < затворить — «тўсмоқ, беркитмоқ» феълидан] *махс.* Турли машина, аппарат, иншоот ва ш. к. да бирор йўлни, тешикни бекитадиган, шунингдек, отиш қуролларида ствол қувурини очиб-ёпишга хизмат қиладиган қисми. *Трубопровод затвори.* ■ *У* [*Аҳмаджон*] *эшик ёнига чўнқайиб ўтирди-да, милтиғининг затворини бир неча мартаба очиб ёпди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *-Тўхта! — дедим, милтиқнинг Затворини тўғрилаб, Қолди қотиб муттаҳам, Бир ўринда ғўлдираб.* З. Диёр.

ЗАФАР [*а.* ظفر — ғалаба, муваффақият] **1** Ютуқ, ғалаба, муваффақият. *Зафар байроғи* ■ *Бобурнинг уч мингга яқин қуролли кишилари зафар куйини чалиб, қўш ноғоралар ва карнайлар садоси остида шаҳарга кира бошладилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳамид Олимжоннинг овози, қудратли нидоси зафарларга чорлайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Зафар (эркаклар исми).

ЗАФАРЛИ Ғалаба, зафар қозонган, ғалаба ва муваффақиятларга элтувчи, ғолибона. *Зафарли одимлар. Қўшинларнинг зафарли юриши.*

ЗАФАРНОМА [*а.+ ф.* ظفرنامه — зафар, ғалаба китоби] Зафарлар, ғалабалар ҳақида қисса. *Хоразм тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Эрон шоҳлари томонидан қоя ва қабр тошларига ўйиб ёзилган зафарномаларда учрайди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ЗАХ 1 *сфт.* Суви кўп, сернам, захкаш (ер). *Зах уй.* ■ *Ертўла атрофидан зах тупроқ шувиллаб тўкилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Уни* [*Тожини*] *навкарлар олиб чиқиб, зах бир ертўлага қамашади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *от* Сернам, захкаш жой; намлик. *Кеча захда ётавериб, белим оғриб қопти.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Шўрхок ерларда аччиқ зах ғўзанинг томирини чирита бошлади.* Газетадан.

Кўкрагини захга бериб ётмоқ Қийналмоқ, азоб чекмоқ. *Қодирнинг қиздан умиди узилиб, кўкрагини захга бериб ётибди.* «Эртаклар». *«Бир бечора ўғлингни деб, кўкрагини захга бериб ётсин-да, сен тинчгина ўғлинг-*

ни олиб ёт!.. Қани ўғлинг, ётган жойини кўрсат!» дедим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАХА Полиз экинлари ёки ҳўл меванинг урилиб, эзилиб шикастланган ери. *Заха бўлмоқ (емоқ). Нокнинг захаси.* ▬ *Бригада аъзолари меваларни эҳтиёткорлик билан, бирор ерига ҳам заха етказмасдан териб, яшикларга жойлашяпти.* Газетадан.

ЗАХАЛАНМОҚ Уриниб, шикастланиб қорайиб қолмоқ, заха бўлмоқ, заха емоқ (полиз экинлари ёки ҳўл мева ҳақида). *Захаланган нок. Захаланган қовун.*

ЗАХИРА [*а.* ذخيره – хазина; эҳтиёт учун сақланган нарса] **1** Келажакда фойдаланиш учун сақлаб, ғамлаб қўйилган нарса. *-Ҳар бир нарсани тежаш, бугунгини эртага захира қўйиш яхши фазилат. Шундай қилган одам тез бой бўлиб кетади, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *ҳарб.* Зарур пайтда чақириш, сафарбар қилиш учун махсус рўйхатга олиб қўйилган ҳарбийлар тоифаси. *Захирадаги офицер.*

ЗАХКАШ Суви, нами тепага, юзага чиқиб қолган; сернам (ер). *Ҳа, раисимиз ер шайдоси эмасми, захкаш ер, захда ўтириб чўкиб қолган иморатларни кўриб, йиғламоқдан бери бўларди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳужра тор, захкаш.* Ойбек, Навоий. *-Олтиндай азиз тупроқ, лекин захкаш кўринади, – деди жиддий қиёфада Ғанишер, – захини қочириш керак.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

ЗАХКАШЛИК Зах босганлик, намлик. *Пастдаги икки хонанинг ғиштлари захкашликдан шўралаб, оқариб кетган.* Мирмуҳсин, Умид. *Қуёшга терс, бурчакка тиқилган бу уйчадан ҳали қиш нафаси ўчмаган, захкашлик ва чирик ҳаво нафасга уради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗАХЛАМОҚ Зах бўлиб кетмоқ, зах босмоқ, намиқмоқ; намликдан моғорламоқ. *Ёғингарчиликлар натижасида ер захлаб кетди.* ▬ *Апрель ойининг охиридан бошлаб ҳозиргача бўлиб турган ёғингарчиликлар натижасида ер захлаб кетди.* Газетадан. *Муштумзўрлардан олинган ғалланинг ярмидан кўпи Шокиржон бойваччанинг отхонасида захлаб ётипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЗАХЛИК Намлик, нами кўплик. *Бу уй менга захлик қилади.*

ЗАХМ I [*ф.* زخم – зарба; оҳанг; яра, жароҳат] Тиғ, найза каби ўткир нарсалардан баданга етган жароҳат. *-Ўқ ва қилич захми ва зарбини кўрмаган йигитнинг мақтанишини қаранг, – деди Темиртош Ҳожибга истеҳзо билан.* М. Осим, Ўтрор.

ЗАХМ II [*ф.* زخم] *тиб.* Юқумли, сурункали таносил касаллиги; сифилис. *Сил, захм (сифилис) ва рак касалликлари товуш пардасини заҳарлаб, товушни ўзгартиради.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЗАХОБ [*ф.* زهاب – чашма; сув чиқадиган, тарқаладиган жой] **1** Зах ерларда тупроқ юзасига сизиб чиқадиган сув. *Ўзбекистон гидрогеологларининг олиб борган кузатишлари захоб сувлар ҳозир ҳақиқатан ҳам тепага кўтарила бошлаганини кўрсатиб турибди.* Газетадан.

2 *сфт.* Сувланган, ботқоқланган; захкаш. *Захоб ерлар.*

ЗАЪФАР [*а.* زعفر – сариқ гулли ўсимлик] **1** *от қ.* **заъфарон 1.** *-Мана бу нима? – Абу Наср токчадан барглари майда қуруқ ўтни олиб кўрсатди. – Заъфар – Анихус.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар.

2 *сфт. қ.* **заъфарон 2.** *Заъфар хазон қуш каби учар Ва рутубат – кеч куз чалган соз.* Х. Даврон, Шаҳардаги олма дарахти. *Безак ва расмлар қизил, заъфар ва бошқа анвойи хил бўёқларда ишланиб, кўпларига тилла ҳал югуртирилган.* «Фан ва турмуш».

ЗАЪФАРОН [*а.* زعفران – зиравор ўсимлик, заъфар] **1** *от* Ингичка узун баргли, тўқ сариқ гулли, пиёзсимон илдизли ўсимлик ва унинг гулидан тайёрланадиган, овқатни хуштаъм ва рангдор қиладиган зиравор.

2 *сфт.* Сап-сариқ, сомонранг. *Унутаман бир кун барчасин, Улар бари қолади сизга: Заъфарон боғ, осмон парчаси, Шамол, дарё, майса, сивизға.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Йигитнинг олижаноб ҳимматидан мамнун бўлиб, заъфарон юзларимга андак табассум чиқди.* Ғайратий, Довдираш. *Бир ёнда ложувард Баҳри муҳит бор, Бир ёнда заъфарон Саҳрои кабир.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ЗАҚҚУМ [*а.* زقّوم – заҳарли дарахт] **1** *бот.* Сутсимон ширасида ўткир заҳарли модда бўлган дарахт; анчар (диний тасаввурда унинг мевалари гуноҳкорлар, дўзахилар учун овқат бўлади).

2 *кўчма* Заҳар. *Ўғри, каззоб келиб эмиш қошига, Заққум қуяй ичаётган ошига.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЗАҒЧА Қарғасимонлар оиласига мансуб, патлари қорамтир қуш. *-Мана зағча, олинг, яхши қуш, хўб сайрайди — дейди Мусага қўлидаги қушни кўрсатиб.* Ойбек, Болалик. *-Ҳар ҳолда ўргатилган зағча.. — деди Эгамберди.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

ЗАҒЧАКЎЗ Кўзи кўк (одам). *Қамишкапаликлар одамларни бирор хусусиятлари билан таърифлашни афзал кўрардилар. Шу қоидага мувофиқ, кулранг-кўкиш кўзли эшонни ҳамма катта-кичик «зағчакўз домла» деб атарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эшикдан тишлари тушиб, лаблари ичига кириб кетган кампирдаҳан зағчакўз бир чол кириб таъзим қилди.* М. Осим, Ўтрор.

ЗАҲАР [*ф.* زهر — оғу; қаҳр-ғазаб] **1** Тирик мавжудотни оғулаб емирувчи ёки ўлдирувчи модда, оғу. *Илоннинг заҳари.* ▬ *Бу аёл — Раззоқ сўфи деган одамнинг қизи, ўз эрига заҳар берган.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *[Салимбойвачча] Ички чўнтагидан қоғозга ўралган заҳарни олиб, титроқ қўллари билан ошга сепди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Қолаверса, илон заҳари фармацевтикада қимматбаҳо хомашё экани ҳам яхши маълум.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Оғу сингари аччиқ, киши ҳаётини оғулайдиган, азобга айлантирадиган нарса, ҳолат. *[Элмурод] Сайфуллага «Ҳовлингизда еган-ичганим заҳар эди, энди мактабда рангим чиқиб қолди», деб таъна қилармиш.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Заҳар бўлмоқ Заҳарга, оғуга айланмоқ, татимаслик. *Яна дардга кўмилди Нисохон боши, Заҳар бўлди бир коса совиган оши.* Ғайратий. **Заҳар ютмоқ** Аччиқ-алам ютмоқ, азоб чекмоқ, изтироб чекиб қийналмоқ. *Камтар бўл, талтайма, кеккаймагин тик, Дўст учун заҳар ют, ширин жонни тик!* Ё Мирзо, Ўғил меҳри. **Заҳар қилмоқ** Заҳарга, оғуга айлантирмоқ, татитмаслик.

3 *кўчма* Жаҳл, ғазаб. *Ҳовлида ошқовоқ пўчоқ судраб ўйнаб юрган болани.. кўриб, [Шарофатнинг] заҳри бир оз тарқалди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Заҳри келмоқ Аччиғи келмоқ, жаҳли чиқмоқ. *Бунёднинг қаҳри келди, Девнинг ҳам заҳри келди.* Ҳ. Олимжон. **Заҳар** (*ёки* **заҳарини**) **сочмоқ** Ғазабини тўкиб солмоқ, жаҳл-ғазаб қилиб аламдан чиқмоқ. *Қилғиликни Ўктам қилади-ю, заҳрини менга сочасизми?* Ойбек, О. в. шабадалар. *Нега ёнган юрагимга яна сен ҳам заҳар сочасан!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Заҳрини ютмоқ** Аччиғини ичига ютмоқ, ғазабини босмоқ. *Оғзинг тўла қон бўлса ҳам, рақибинг олдида тупурма, деганлари эсига тушиб, заҳрини қулт этиб ичига ютди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Бек заҳрини ютди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 Қаттиқ зарб, аччиқ оғриқ. *Тикан заҳри учида, душман заҳри ичида.* Мақол. ▬ *От чидамас аччиқ қамчи заҳрига.* «Гўрўғли».

Совуқнинг заҳри Совуқнинг жонни ачитувчи таъсири.

5 *сфт. кўчма* Жуда ҳам аччиқ. *Заҳар овқат. Заҳар тутун.*

Заҳри қотил 1) ўлдирадиган заҳар; 2) ўлгудай аччиқ. *Заҳри қотил дори.*

6 *сфт. кўчма* Кишига найзадек ботадиган, дилга озор берадиган. *Заҳар пичинг. Заҳар тил.* ▬ *Раис устага ғазаб билан тикилди-ю, заҳар тўла киноя қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 *сфт. кўчма* Жаҳлдор, сержаҳл, қаҳрғазабли; тили аччиқ ва жиззаки. *-Бай-байбай, ўзи жинқарча бўлсаям, шунақа заҳар қизки, худди Зулайҳо опангизга ўхшайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унинг* [*Умиднинг*] *назарида, Шукур Каримович заҳарроқ одам кўринди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бахтга қарши, терговчи ёш бўлса ҳам, сочлари тўкилиб, тепакал бўлиб қолган, тирноқларигача заҳар бир одам экан..* О. Ёқубов, Излайман.

ЗАҲАР-ЗАҚҚУМ 1 *от, айн.* **заҳар 2.** *[Нафиса] Хўрликларга гоҳ чидаб, хилватга ўтиб йиғлаб, гоҳо «худо ўлим берсин шунақа турмушга, олтин косам бор деб, заҳар-заққум ичгандан сопол товоқдаги обиёвғон яхшимасми», деб.. юрганда, Аъзам ўзгариб қолди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Халқ молини егандан кўра заҳар-заққум е!* Ойбек, О. в. шабадалар.

Заҳар-заққум бўлмоқ *айн.* **заҳар бўлмоқ** *қ.* **заҳар 2.** *Элчи бу зиёфат муфтига заҳарзаққум бўлганини сезиб, суҳбатни бўлишга қарор берди..* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Заҳар-заққум бўлар тотиган ошинг, Дарё-дарё бўлиб тўкилар ёшинг.* Уйғун, Тонг қўшиғи. **Заҳар-заққум қилмоқ** *айн.* **заҳар қилмоқ** *қ.* **заҳар 2.**

2 *сфт.* Жуда ҳам аччиқ; истеъмол қилиб бўлмайдиган. *Заҳар-заққум дори. Заҳар-заққум овқат.*

3 *сфт. кўчма.* Кишига қаттиқ ботадиган, аччиқ киноя, пичинг, кесатиқ. *Ажабо, Мавлонқулов бу заҳар-заққум гапларга пинак ҳам бузмади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЗАҲАРЛАМОҚ 1 Заҳар бермоқ, оғу бериб ўлдирмоқ. *Кечаси бир зиёфатдан қайтиб,* [*бой*] *лахта-лахта қон қусди, азонга яқин жон берди. Билмадим, биров заҳарлаганми, ҳайтовур, вақти-соати етган экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Заҳар қўшмоқ, сепмоқ; зарарли моддалар қўшиб, яроқсиз ҳолга келтирмоқ. *Сувни заҳарламоқ. Овқатни заҳарламоқ.*

3 *кўчма* Руҳан қийнамоқ, азобламоқ, тинчини, турмушини бузмоқ, оғуламоқ. *[Ёрмат:] Юрагимни заҳарладинг, юрагингни қиймалайман.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Шошма, дадангни йўқлигида сан ўлгур билан гаплашиб олай, юрак-бағримни заҳарладинг! — ўрнидан туриб, илдамлик билан қўрғон эшигини занжирлади Гулсумбиби.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Холиса:*] *Сиз ҳашарот, заҳарларни ўйлайвериб, менинг ҳаётимни заҳарладингиз.* С. Нуров, Нарвон.

4 *кўчма* Киши онгига, феъл-атворига салбий таъсир кўрсатиб бузмоқ, йўлдан чиқармоқ. *Бидъат ва хурофотлар киши онгини заҳарлайди.*

ЗАҲАРЛАНМОҚ Таркибида зарарли, заҳарловчи моддалар бўлган ёки бузилган, айниган овқат, дори ва ш. к. ни истеъмол қилиш натижасида касалланмоқ. *Мукаррам, Шукрулло, хуллас, барча болалар ва меҳмонлар овқат еб заҳарланишгани яққол сезилиб қолди.* Газетадан.

ЗАҲАРЛИ 1 Турган-битгани заҳардан иборат бўлган, заҳарлайдиган. *Заҳарли модда. Заҳарли газ.* ▬ *Машина теримига ажратилган пахта майдонлари бегона ўтлардан тозаланмаган.. заҳарли химикатлар ташиб олинмаган.* Газетадан.

2 Таркибида заҳари бор. *Заҳарли илон. Заҳарли ўсимлик.* ▬ *Қора илон [ўз] тутган ўлжасини махсус заҳарли тишлари билан ўлдиради.* «Зоология».

3 Заҳар суртилган, заҳар қўшилган. *Заҳарли найза. Заҳарли ўқ.*

4 *кўчма* Кишига найзадек, ўқдек ботадиган; аччиқ, кинояли. *Заҳарли гап. Заҳарли мактуб.* ▬ *-Онажон, — деди Отабек, — сизнинг заҳарли сўзларингизга нима дейишга ҳам ҳайронман..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Искандаров «ўл бу кунингдан» дегандек, заҳарли жилмайиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Миркомилбой бир маҳал қўлини чайиб туриб, Содиқжон бойваччага заҳарли бир мулойимлик билан гап қотди.* К. Яшин, Хамза.

ЗАҲАРЛОВЧИ Заҳарлайдиган, заҳарли. *..одамларни кўплаб қирадиган.. заҳарловчи моддалар хирмон бўлиб ётибди.* Газетадан.

ЗАҲАРОЛУД [*ф.* زهرآلود — заҳарли, заҳарланган] *кт.* Таркибида заҳар бўлган, заҳарли. *Заҳаролуд тиғ.*

ЗАҲАРХАНДА [*ф.* زهرخنده — ғазабли, аччиқ кулги] **1** Аччиқ киноя, пичинг, кесатиқ. *Хотин хандон ташлаб кулди. Унинг бу кулгисида алам билан заҳарханда аралашга ўхшарди.* С. Аҳмад, Асарлар. *Алиматнинг хастаҳоллик билан айтилган гап оҳангида аламзадалик, заҳарханда бор эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *-Шаҳаншоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимга ошиқ бўлгандир, — деди Тўмарис заҳарханда қилиб.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЗАҲИЛ [*ф.* زهير — бир хил ички касаллик; азоб-уқубат] Рангида қони йўқ, ранги сариқ, сарғайган. *Катя ичкари кириб, ранги заҳил, сап-сариқ офицерни кўрди.* В. Ғофуров, Вафодор. *Асад қори заҳил юзини тиржайтирди.* М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча. [*Рихси холанинг*] *Юзи заҳил, қовоқлари салқиган.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЗАҲМАТ [*а.* زحمت — тиқилинч, торлик; машаққат] 1. Оғир, машаққатли меҳнат. *Кўкламги заҳмат — қишки роҳат.* Мақол. ▬ *Кимки чумолидек чекибди заҳмат, Эл аро топади эъзозу иззат.* Газетадан. *Элнинг заҳмати-ла топилган олтин элники, давлатники.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Зоҳиран эрки ўзида бўлиб кўринган заҳмат аҳлининг аслида оёқ-қўлларида оғир кишан, тил-жағлари боғлаб ташланган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *кўчма* Кулфат, азоб-уқубат, қийинчилик. *..урушнинг заҳматини бошидан кечирган ҳар бир одам даҳшатли у йилларнинг жонли шоҳидидир.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Барча заҳмат менга бўлсин, Майли, доим мен яшай.. Бу ширин қайғу билан.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

Заҳмат чекмоқ 1) оғир меҳнат қилмоқ. *Санъаткор ўз асарини қиёмига етказиш учун кўп заҳмат чекади.* «ЎТА». *Отангиз бебаҳо, олижаноб одам. Умр бўйи авом учун заҳмат чекдилар* [*деди Ҳорунбек*]. Мирмуҳсин, Меъмор; 2) қийинчилик кўрмоқ, азоб-уқубат чекмоқ. *Аммо, турмушида қанчалик заҳмат чекмасин, сира руҳи тушмас, одамларга ҳамиша кулиб боқар эди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

ЗАҲМАТКАШ [*а.*+ *ф.* زحمتکش – машаққат тортувчи; меҳнаткаш] **1** Меҳнаткаш, меҳнат қилувчи. *Ҳозирги тоғорадай думбали ҳисори.. қўйлар ҳам ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмаган-ку! Бу зотни етиштиргунча Бобоқул отага ўхшаш қанчадан-қанча заҳматкаш чўпонларнинг умри ўтган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Марзия опа камгап, аммо заҳматкаш, қишин-ёзин меҳнатдан бўшамайди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Жафокаш, кўп жафо кўрган. *Инчунин, бизлар заҳматкаш, елкаси яғир.. жисми-жони мустабидлар зулмидан ўртанган эл-улус дилига сингиб бормоғимиз лозимдир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗАҲОТ(И) *рвш.* Дарҳол, шу онда, ..биланоқ. *Тамара қалъасин кўрганим заҳот, Тасанно ўқидим ақлу кучингга.* Шуҳрат, Сенинг севгинг. *Амак чақирилган заҳоти қўрғондан чиқди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *У* [*Ёқуббек*] *Бобур қайтганини эшитган заҳоти, ҳар қандай шубҳадан холи бўлиш учун, дарҳол отланиб, садоқат изҳор қилишга шошилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Нигора қор сувига қўлини тиқди-ю, ўша заҳоти тортиб олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЗАҲОТИЁҚ *айн.* **заҳот(и)**. *Ярадор йигитга шу заҳотиёқ ҳамшира тиббий ёрдам берди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бир куни Икром Ёровнинг юраги хуруж қилиб қолди. Шу заҳотиёқ Ота профессор чақирди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЗАҲР *айн.* **заҳар**. *Бетга айтганнинг заҳри йўқ.* Мақол. ▬ *-Эгат очиб, сув тарасакчи, – ниҳоят раис ўртадаги жимликни бузди, – баҳор суви ернинг заҳрини олади.* С. Маҳкамов, Шогирд. *Илк баҳор заҳрини ўйладингми ҳеч, Заминда ис армон, сенда не армон.* А. Орипов, Йиллар армони. *Баҳор келди. Қорлар эриб, ерлардан қиш заҳри кўтарила бошлади.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши.

ЗАҲРА [*ф.* زهره – ўт, сафро] **1** *эск. айн.* **зарда 1.**

2 *фольк.* Журъат, жасорат, шижоат. *Буни кўриб, халқда заҳра қолмади, Ҳар тарафга энди қоча бошлади.* «Фольклор».

Заҳрасини олмоқ *фольк.* Қўрқитмоқ, ваҳимага солмоқ. *Элингнинг заҳрасин тоза олибди, Заҳарини бутун элга солибди.* «Рустамхон». *Бек Алпомиш Тойча шоҳни ўлдириб, душманларнинг заҳрасини олиб, сиёсат қилиб юриб эди, Қайқубот йўлиқиб қолди.* «Алпомиш». **Заҳраси учмоқ** 1) чирсиллаб кетмоқ, жаҳли чиқмоқ. *У [Камол Одилов] елка қисди, заҳраси учиб, қовоғидан қор учқунлайди.* Газетадан; 2) қўрқмоқ, қўрқиб кетмоқ. *[Зумрад Умаралига:] Бир марта эшитган эдим; янги мактаблар очилар эмиш, деб раҳматли отин ойимнинг заҳраси учган эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЗВЕНО [*р.* звено – бирор нарсанинг қисми; бўлим] *эск.* **1** Жамоа ва давлат хўжаликларида, баъзи корхоналарда кичик ташкилий гуруҳ. *Пахтачилик звеноси. Пиллачилик звеноси.* ▬ *Звено бошлиғи Эгамбердиев фронтга жўнаб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Абдураззоқ ота кетмон чопди, арава минди, звено ва бригадага бошчилик қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Звено аъзоларининг ҳаммаси ҳам ўқийди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *с. т.* Шундай ташкилий гуруҳнинг бошлиғи. *Канизак звено бўлар эмиш.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *кўчма* Бирор иш, ҳодиса, жараён ва ш. к. нинг узвий қисми. *Тошкент врачлар малакасини ошириш институти соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим звеноси бўлиб, методик ва мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади.* Газетадан.

ЗЕБ [*ф.* زیب – зийнат; ҳусн] Безак, кўрк, оройиш. *Одоб – кишининг зеби.* Мақол. ▬ *Нуқта қўй назмингга, Эркин, Мухтасарлик сўзга зеб, Йўқса, тонг отгунча шеърing Бўлғуси достон қадар.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Зеб бермоқ 1) безамоқ, ясатмоқ. [*Ёрмат*] *Отга чиғаноқли асбобларни тақиб, ёлини қизил латталар билан ўраб, отнинг атрофида айланиб, унга жуда зеб берди.* Ойбек, Танланган *асарлар.* [*Алимат карвон*] *Ўзи ўлгудай от-аравага ишқибоз. Топганини отига сарфлаб, аравага зеб беради.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар; 2) пардоз-

андоз қилмоқ, оро бермоқ. *Ўзига зеб бериб кийинган ўрта ёшлардаги америка офицери газета ўқиб ўтирарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [*Фазлиддин*] *Аҳли растага ва ёш бойваччаларга яраша дурустгина кийинади, лекин ўзига ортиқча зеб бермайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗЕБ-ЗИЙНАТ, **зебу зийнат 1** Турли хил безаклар, зийнат буюмлар. *Баъзан зебу зийнат тақинчоқларга беҳад берилган аёллар ҳам учрайди.* Р. Усмонов, Одобнома. *Кийим-бош, зебу зийнат ишлаганга ярашади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *кўчма* Кўрк, ҳусн, чирой. *Яхши фазилатинг — зебу зийнатинг.* Мақол. ▬ *Соғинган кунлар ва айрилиқ ойларида дилларга туғилган ноёб ва ширин, ҳаяжонли ва самимий сўзлар севги суҳбатининг мундарижаси ва зеб-зийнати эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЗЕБИГАРДОН [*ф.* زیبگردن — бўйинга тақиладиган безак] *этн.* Олтин ёки кумушдан ясалиб, бўйинга осиладиган зийнат буюми. *Шаҳзода бир жилмайиб қаради-ю, кичкина оппоқ қўлларини шўх бир адо билан зебигардон устига қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бойваччароқ қизлар.. бўйинларига зебигардонлар, бўйинтуморлар, тиллақошлар ва тилла баргаклар тақиб олган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЗЕБО [*ф.* زیبا — чиройли] **1** Ғоят гўзал, барно, келишган. [*Самандарнинг*] *Қувончдан чақнаган кўзлари олдида ўша излагани зебо қиз намоён бўлди.* С. Кароматов, Қалбимда қуёш. *Кийганида зебо қизлар янги либослар, Ўзбек дилин саховатин миннат-ла эслар.* М. Шайхзода.

2 Хушманзара, кўркам, чиройли. *Зебо ўлка.* ▬ *Кўклам қизи юз очди, мусаффо безанибдир, Эгнида яшил жомаси зебо безанибдир.* Ҳабибий. *Баҳор наққоши яна қўлига мўйқаламини олиб, табиат қўйнига зебо нақшлар сола бошлади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

3 Зебо (хотин-қизлар исми).

ЗЕБОЛАНМОҚ Чиройли бўлмоқ, гўзаллашмоқ. *Гулни ҳайрон қолдириб, зебоданибсиз мунча ҳам.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

ЗЕБОЛИК Чиройлилик, гўзаллик. *Зеболикда тенги йўқ қиз.* ▬ *Қошингнинг қаролиги, Кўзингнинг зеболиги.* «Оқ олма, қизил олма».

ЗЕБОҚАД Қад-қомати келишган, хушқомат.

ЗЕБОҚОМАТ *қ.* **зебоқад.**

ЗЕБРА [*фр.* zebre] Отсимонлар оиласига мансуб, Африка саванналарида яшайдиган, танаси алмашиниб келувчи оқ ва қора чизиқлар билан қопланган ёввойи ҳайвон. *Айиқсса, зебра, қўтос, бегемот, фил ва оҳуларнинг кўп тури тарқалган.* «Фан ва турмуш».

ЗЕБУ [*фр.* zebu] Асосан Жанубий Осиё ва Шарқий Африка, қисман Америкада яшайдиган ўркачли ҳўкиз. *Келиб чиқиши жиҳатдан қорамолга энг яқин турадиган ҳайвонлардан зебу ва қўтос хонакилаштирилган ҳолда учрайди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

ЗЕНИТ [*фр.* zenith < *а.* سمت — йўл, мақсад; азимут] **1** *от. астр.* Осмон гумбазининг кузатувчи тепасидаги энг баланд нуқтаси.

2 *сфт. ҳарб.* Осмондаги нишонларни уриб туширишга, ўққа тутишга мўлжалланган. *Битта самолётимизни зенит тўпи туширди.* «Шарқ юлдузи». *Бехосдан ҳаво тревогаси эшитилди. Зенит тўплари гумбурлай бошлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЗЕНИТКА *с. т.* Зенит қуроли. *Автоматик зенитка.* ▬ *Тепаликларнинг этагида оғир тўплар, узун қувурлари кўтарилган зениткалар турарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЗЕНИТЧИ Зенит қуролидан отувчи. *Ўқчи қисмларимиз эгаллаган линияларда зенитчилар йўқлигини пайқаган калхатлар янада пастлаб, марраларимизни бадтар чўқилашга тушди.* Б. Имомов, Ҳорманг, қуролдошлар. *Зенитчилар нишоннинг тезлиги, йўналишини аниқлаб, отишга тайёр эканлари ҳақида рапорт беришди.* Газетадан.

ЗЕР [*ф.* زیر — тагида, остида] Араб графикасида қисқа «и» унлисини англатадиган, ундош ҳарф остига қўйиладиган диакритик белги.

ЗЕР-ЗАБАР, зеру забар [*ф.* زیر—زبر — остки-устки, остида, устида], Араб ёзувида унлиларни ифодалаш учун ундош ҳарфнинг ости ва устига қўйиладиган диакритик белгилар. *Муллалар ўқийди зеру забарни, Усталар ишлатар теша, табарни.* «Хушкелди».

Зеру забар қилмоқ Остин-устун қилмоқ; тор-мор этмоқ, йўқ қилмоқ. *Қайда бўлса топармиз, деб жуда шаҳар халқиниям зерзабар қилди.* «Баҳром ва Гуландом».

ЗЕРИКАРЛИ Кишини зериктирадиган, тоқатини тоқ қиладиган; қизиғи йўқ. *Зерикарли китоб. Зерикарли суҳбат.* ▬ [*Умматали*] *Радио эшитиб, ҳордиғини чиқармоқчи эди, зерикарли мавзуда суҳбат кетаётган экан.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Биринчи кун жуда зерикарли ўтди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЗЕРИКМОҚ 1 Бекорчиликдан сиқилмоқ, ишсизликдан диққати ошмоқ. *Мирзаев шу куни жуда зерикди. Бу зерикиш кечқурунга бориб диққатликка айланди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Уч кундан бери ёмғир эзиб ёғар, ҳашарчилар ишга чиқмай, зерикиб қолишганди.* Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг. *Қиш чилласи уйга қамалиб, зерикиб ўтирувчи ёшларга иш топилиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Нури опа, зерикмадингизми? — деди танчага ўтни ағдариб Гулнор.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳар доим бир хил нарсани қилишдан безор бўлмоқ. [*Отабек*] *Ўқишдан зериккан кезларида Ҳасаналининг дўконига чиқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кун бўйи укамни етаклаб юраман. Зерикаман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗЕРО [*ф.* زيرا — чунки] *эрг. боғл.* Чунки, негаки. *[Абулмалиҳ:] Ҳеч ким ишқни бунчалик таъриф қила олмаган.* [*Навоий*:] *Зеро, ҳеч ким ишқ жабрини менчалик тортмаган.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Зеро, қўлёзмалар тавсифини бериш ва каталоглар яратиш филология фанининг энг мураккаб, энг масъулиятли соҳаларидан биридир.* «ЎТА». *Зеро, халқ шундай бир дарёйи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур* [*деди Навоий*]. Ойбек, Навоий.

ЗЕРОКИ [*ф.* زيراكه — негаки, чунки] *қ.* **зеро.** *Зероки, Журжон шаҳридек ҳавоси мусаффо, суви тоза пойтахт тополмаймиз оламда.* М. Осим, Карвон йўлларида. *..Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга «кет!» амрини берган эди.* А. Қодирий. Ўтган кунлар.

ЗЕФИР [*юн.* Zephyros — юнон мифологиясидаги ғарбий шамол маъбуди номи] **1** Энсиз бўйлама йўллари бўлган, юпқа ва нафис ип газлама. *Оқ зефир. Зефир кўйлак.*

2 Мева шарбатига шакар қўшиб пиширилган қуюқ ширинлик; мева қиёми.

ЗЕҲН [*а.* ذهن — идрок, фаҳм; хотира] Тушуниш қобилияти; идрок, фаҳм. *Бобур ўз зеҳнининг гўё қайралиб, ўткирлашиб қолганини сезиб турарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Меъморчиликда фақат зеҳну иқтидорнинг ўзи кифоя эмас.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Унинг зеҳни жуда ўткир, ўзи тиришқоқ эди..* П. Қодиров, Уч илдиз.

Зеҳн солмоқ Диққат билан қарамоқ, диққат қилмоқ. *Ота унга зеҳн солиб тикилди-да, туриб, эшикдан қаради.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. **Зеҳни ўткир** Тез тушуна оладиган, ақлли, доно. *Ҳирот шаҳрида Зайниддин деган бола бор эди. Зеҳни ўткир, тиришқоқ бўлгани учун, у мактабда ҳаммадан олдин ўқиш, ёзишни ўрганиб олган.* М. Осим, Сеҳрли сўз. **Зеҳни паст (***ёки* **пўстак)** Тез тушуна олмайдиган, ақли паст. *Меъмор зеҳни пўстак корфармодан хафа бўлмай, ичида кулди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЗЕҲНЛИ Тез идрок этадиган, уқувли. *Тиллахон ёшлигиданоқ чаққон, зеҳнли, зийрак қиз эди.* «Саодат». *Рост, бул ўғлингиз серғайрат ва зеҳнли эканлиги юриш-туриши, важоҳатидан билиниб турибдур.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЗИД(Д) [*а.* ضدّ — душман, рақиб; қарама-қаршилик] **1** Бир-бирига хилоф, қарама-қарши, акс, қарши. *Тошпўлатнинг миясида бир-бирига зид фикрлар талашар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Авазнинг дилини бир-бирига зид, нохуш туйғулар тимдалаб ўтди.* С. Сиёев, Аваз. *Холиса эрининг майлларига бошқа зид чиқмасликка аҳд қилди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Бир-бирига душман бўлган, ўзаро келиштириб бўлмайдиган, қарама-қарши. *Қандай қилиб сиз билан менинг дилим бир бўлсин! Ҳеч қачон бир бўлолмайди. Аксинча, ўт билан сувдек зид.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Бировнинг зиддига иш қилмоқ Бировга қарши иш қилмоқ, кимсага душманлик қилмоқ. *Воқеадан хабарим бор. Тоҳиржон зиддингга иш қилмоқда.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. **Зидди заҳар** *эск.* Заҳарга, заҳарланишга қарши қўлланадиган дори. *Заҳарланганда сут, қатиқ зидди заҳар ҳисобланади.*

ЗИДДИЯТ [*а.* ضدّيّت — душманлик, қарши чиқиш] **1** Бир-бирига хилофлик, фикрий қарама-қаршилик, акслик. *Домла гапининг учини йўқотиб қўйдими ё фикридаги ошкор зиддиятдан хижолат тортдими, ямланиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аммо мен инондим жаннатга бугун, Бу гап-*

да йўқ асло зиддият, тугун. М. Шайхзода, Йиллар ва йўллар. *Бояги мушкул зиддиятлар ҳали ҳам* [*Бобурнинг*] *хаёлини банд қилиб, кўнглида тугун бўлиб турибди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Муросага келтириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, душманлик, адоват. *Муаррих уч йиллик воқеалар тафсилотини баён қилар экан, ўзи билан қўл остидаги кишилар ўртасида юз берган зиддиятларни ҳам очиқ-ойдин ёзаверади.* «ЎТА». *[Мулла Муҳиддин:] Шуни биламанки, сизлар билан унинг ораларингизда сув билан ўт орасидаги каби зиддият бор.* С. Айний, Эсдаликлар.

3 *мнт. флс.* Муҳокама юритишда, матнда, назарияда ва умуман предмет, ҳодисаларда бири иккинчисини инкор этадиган икки мулоҳазанинг мавжудлиги ва улар ўртасидаги муносабатлар. *Зиддият қонуни.*

ЗИДДИЯТЛИ Бир-бирига қарама-қарши, ўзаро ихтилофли. *Ҳозирги замон поэзиясида рўй бераётган жараёнлар турмушнинг ўзи каби мураккаб ва зиддиятли.* Газетадан.

ЗИДЛИК *айн.* **зиддият.** *Синонимларнинг ўз табиатида «иккилик» — зидлик мавжуддир.* «ЎТА».

ЗИДЛОВЧИ: **зидловчи боғловчилар** *тлш.* Тенг ҳуқуқли гап бўлакларини ёки гапларни бир-бирига зидлаб боғлайдиган ёрдамчи сўзлар (мас, *аммо, лекин, бироқ*). *Зидловчи боғловчи бир уюшиқ бўлак таркибида, икки бўлак ёки ҳар бир жуфт орасида келиши мумкин.* «ЎТА.

ЗИЁ [*а.* ضياء — нур; йилтираш] **1** Ёғду, ёруғлик, нур. *Қаердандир отилган мушакнинг кўз қамаштирувчи ёрқин зиёси тунни гўё кундузга айлантириб юборди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон, *Оромбахш тонг! Тоғ орқасидан кўтарилаётган қуёшнинг дастлабки заррин зиёлари шийпон тепасидаги шохлар, дарахтларнинг учларига тушди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 *кўчма* Билим, маърифат, илм; онгни ёритувчи ҳар қандай нарса. *У [китоб] инсон онгини пешлаб, зиё сари йўлини нурафшон қилувчи машъал эканлиги азалдан маълум.* Газетадан. *[Гули:] Ғазал эрмас, бу бир меҳри гиёдур, Мунаввар айлаган дилни зиёдур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Гап одамларнинг номида эмас, албатта. Гап республикада зиё тарқатиб келаётган муҳтарам ўқитувчиларимиз, уларнинг беминнат, лекин машаққатли меҳнатидадир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Зиё (эркаклар исми).

ЗИЁД [*а.* زياد — кўп, ортиқча; қўшимча] **1** *рвш.* Ортиқ, кўп, бисёр. *Ғужбоғда юздан зиёд хонадон бор.* «Ёшлик». *Ҳозиргача 3 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» терган бўлажак шифокорлар кун сайин ғайратга ғайрат қўшишяпти.* Газетадан. *[Хосият:] Мен сени ўз боламдан зиёд қилиб, елкамда кўтариб катта қилганман..* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Зиёд (эркаклар исми)

ЗИЁДА [*а.* زياده — кўпайиш; қўшилиш, қўшимча] **1** *қ.* **зиёд 1.** *Аламли дардлари бўлар зиёда, Жафо кўрар йўлда пойи-пиёда.* «Ойсулув». *Бўлурми зулм бундан ҳам зиёда*? С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

2 *кўчма* Аъло, яхши. *Анаш халфа. Табиат уни баркамол этиб яратмиш: ҳусну малоҳатию ақлу заковати бир-биридан зиёда.* С. Сиёев, Аваз. *Айтиш қийин, дўстим, дафъатан: Ширинликда нима зиёда? Гўдак учун она кўксидан Ширин нарса йўқдир дунёда.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

3 Зиёда (хотин-қизлар исми).

Давлатингиз зиёда бўлсин Бой бўлинг, бадавлат бўлинг. *Илоҳо, бегуноҳ гўдакларнинг дуойи хайри ила умрлари узун, давлатлари зиёда бўлгай.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗИЁКОР [*а.+ ф.* ضياكار — зиё, билим тарқатувчи] Илм тарқатувчи, маърифатпарвар, билим тарғиб қилувчи. *Кутубхонанинг ўзида зиёкорлар улуғ саналарга китоб кўргазмалари ўтказишмоқда.* Газетадан. *Зиёкор ўқитувчи мудом порлаб нур бермоғи, ўз зиёсидан авлодни баҳраманд қилмоғи лозим.* Р. Усмонов, Одобнома.

ЗИЁЛИ Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи; илмли, ўқимишли, маърифатли. *Қишлоқ зиёлилари.* ▬ *Минбарлардан халқ зиёлилари шарафига табрик сўзлари янграмоқда.* Газетадан. *-Инженерлар ҳам зиёли ҳисобланадими? — деди Ёқубжон Саидийга қараб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЗИЁН [*а.* زيان — зарар; йўқотиш] *айн.* **зарар**. *Зиён келтирмоқ. Зиён кўрмоқ.* ▬ *Сен чурвақаларнинг қўлидан келадигани шу-да! Ишга зиён етказишдан бўлакни билмайсанлар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шаҳар кўчасида тутун буркситиб юрган машинанинг зиёни баъзан у келтирган фойдадан ҳам кўпдир.* Газетадан.

Бир мири ҳаён, уч мири зиён Фойдасидан кўра зиёни кўп. *Бундай одамлардан бир мири ҳаён, уч мири зиён.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЗИЁН-ЗАҲМАТ *қ.* **зиён**. *Ўтган мавсумда у бир оз катта тезлик режимида ишлаб кўрган, бундан ўзига ҳеч қандай зиён-заҳмат етганини сезгани йўқ.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ЗИЁНЛИ *айн.* **зарарли.** *Зиёнли иш. Зиёнли ҳашарот. Чекиш зиёнли.*

ЗИЁНЧИ Зарар етказувчи, заракунанда. *Сизга бошқа одамлар тўсқинлик қилди, бўлмаса, бундай зиёнчилар, хушомадгўйларни уриб, патини тўзитиб юборар эдингиз!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

ЗИЁРАТ [*а.* زيارت – ташриф, табаррук жойларга сафар қилиш] **1** *дин.* Муқаддас жойларга, мозор ва қабристонларга бориб сиғиниш. *Шунинг учун чинорнинг зиёратига атроф-теваракдан ҳар йили тумонат одам келиб кетади.* А. Мухтор, Чинор.

2 Ҳурмат ёки расмият юзасидан кекса, табаррук кишилар, ҳурматли зотлар ҳузурига ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни муборакбод қилиш. *-Отамни зиёрат этгали келиб эдим, – деди Аматжон.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Мирзо Анвар инимга худо мартаба ато қилган эмиш деб эшитдим, – деди Сафар бўзчи, – пиримни зиёрат қилай, деб келяпман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ҳам зиёрат, ҳам тижорат Сафар баҳонасида бошқа ишни битириб келиш. *Эшон сўзини тамом қилгач, мулла Муҳаммад Салим унга: -Демак, сизнинг сафарингиз ҳам зиёрат, ҳам тижорат экан-да ,– деди.* С. Айний, Дохунда.

ЗИЁРАТГОҲ [*а.+ ф.* زيارتگاه – сиғиниладиган, зиёрат қилинадиган жой] **1** Зиёрат қилинадиган муқаддас жой, табаррук қадамжо (азиз-авлиёларнинг мақбараси ёки туғилган, яшаган жойи). *«Занги бобо» зиёратгоҳи бир мақбарадир.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Кеча-кундуз зиёратгоҳ гавжум бўлар одамга.* У. Исмоилов, Сайланма.

2 Кишилар кўп борадиган, йиғиладиган мўътабар жой. *Бегимқул ўзбек ўғлони бўлса ҳам, унинг қони Белоруссия тупроғига тўкилди. Шу боисдан унинг қабри белоруслар учун зиёратгоҳга айланди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЗИЁРАТХОНА [зиёрат+хона] *дин.* Зиёратгоҳнинг зиёратчилар тавоф қиладиган биноси, хонаси. *Бойқушлар уяси бўлган икки туп чинорнинг қаршисида гумбазга рўбарў қилиб солинган айвон – зиёратхона бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗИЁРАТЧИ *дин.* Муқаддас жойларга зиёратга борган ёки борувчи киши. *Дарвозани тақиллатиб чарчаган зиёратчилар қўшни томондан ошиб, дарвозани очдилар.* У Исмоилов, Сайланма. *У мозорга теварак-атрофдан зиёратчилар.. турли-туман назр-ниёзлар ва шу жумладан егулик нарсалар кўп келтирар эканлар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Шаҳарларнинг маъмуриятлари.. зиёратчиларнинг мамнун бўлиши учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.* Газетадан.

ЗИЁФАТ [*а.* ضيافت – меҳмондорчилик; меҳмондўстлик] **1** Тантанали меҳмондорчилик, банкет. *Зиёфат охирлади.* ■ *Оқшом тушиб, зиёфат яримлаганда, ҳовлиқиб худойчи кирди.* С. Сиёев, Аваз. *Жўраларингни чақириб, зиёфат қилиб бер, жили яланғоч бўлиб қолмассан [деди бригадир].* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Умуман, меҳмондорчилик, меҳмон қилиш. *Ҳакимбойвачча.. бир катта хитой лаганда уйилган қирғовул, каклик гўшти қовурмаси билан [элликбошини] зиёфат қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Таом, емак; егуликлар. *Шоназар зиёфат келтирди. Ҳакимжон билан Зевархон шу вақтда хуржундан шахматни олиб, эрмак қилиб ўйнаб ўтиришди.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Шунча еган зиёфатинг бас энди. Жонинг бўлса, ўзинг қилгин амалинг.* «Баҳром ва Гуландом».

ЗИЖ [*а.* زيج < *ф.* زيگ – астрономик жадвал] *астр.* Қуёш, Ой ва б. йирик сайёраларнинг юлдузлараро ҳаракатини, уларнинг самодаги вазиятини кўрсатувчи жадвал; астрономик жадвал (шундай жадваллар асосида тақвимлар тузилади). *Аслида Ер ҳаракатда, деб фараз қилганимизда ҳам, бу ҳол ҳисоб ва зижларимизнинг моҳиятини ўзгартирмаган бўлур эрди.* «Фан ва турмуш».

ЗИЙНАТ [*а.* زينت – безак, пардоз; безатиш] **1** Зеб, чирой бериш учун хизмат қилувчи буюм; безак. *Зийнат асбоблари.* ■ *Унсин онасидан ёдгор қолган ва ягона зийнати бўлган юпқагина эски билагузукни айлантириб гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Онамдан теккан мерос, Етти пуштимга*

асос. У на зийнат, на давлат, На сукунат, на роҳат. Г. Жўраева, Иқбол.

2 *кўчма.* Ҳусн, кўрк берувчи нарса; кўрк; иззат-ҳурмат. *Камтарлик — инсон зийнати.* Мақол. ▬ *Дастурхон — одамнинг зийнати, болам. Одам олдига дастурхон ёйиш — ота-бобомиздан қолган расм.* П. Турсун. Ўқитувчи. *Ўрнидан туриб чой бериш одамзоднинг зийнатидир, келинларнинг бор-йўғи келинлиги ҳам шунда-ку*! А. Қодирий. Ўтган кунлар.

3 Зийнат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЗИЙНАТЛАМОҚ Безамоқ, нақшлар билан чирой бермоқ. *Хоразм тупроғида етилган тотли мевалар, туркман отлари, эроний гиламлар, Хива заргарлари зийнатлаган тилла буюмлар, той-той ипак ўрамлари император ҳазратларига пешкаш қилинади.* С. Сиёев, Аваз.

ЗИЙНАТЛИ 1 Зийнат берилган, нақшлар билан безатилган. *Зийнатли камар. Зийнатли тақинчоқ.*

2 *кўчма* Гўзал, чиройли, кўркам. *Зийнатли турмуш.*

ЗИЙРАК [*ф.* زیرک — чаққон, эпчил; оқил, доно] Тез фаҳмлайдиган, фаҳми тез, сезгир. *Кексалик тоши, ғам юки остида қадди букчайган бу зийрак чол аёлларнинг аҳволи руҳиясини сезди, англади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тиллахон ёшлигиданоқ чаққон, зеҳнли, зийрак қиз эди.* Ж. Сейтназаров, Тиллахоннинг қувончи. «*Зийрак» деган сўз нимаю, «Анқов» деган нимадир? Бу сўзларнинг маъносини, Айтинг-чи, ким билади?* Қ. Муҳаммадий, Зийрак ва анқов.

ЗИЙРАКЛИК Фаҳми тезлик, сезгирлик. *Элмурод саволларнинг мазмунини дарров англаб, раҳбарнинг бунчалик одампарварлиги ва зийраклигига жуда қойил бўлди.* П. Турсун. Ўқитувчи. *Жўрақул ўзининг зийраклиги, билими, қобилияти ва жўшқин ғайрати билан командирлар эътиборини ўзига тортди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ғуломжон зийраклик қилиб, Аҳмад акани олиб чиқиб кетмаганида, хунукроқ воқеа рўй бериши турган гап эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЗИКР [*а.* ذکر — эслаш, ёдлаш; хотира] **1: зикр этмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) *кт.* Эсламоқ, ёдга олмоқ, қайд қилмоқ. *Навоий юқорида номлари зикр этиб ўтилган шоирлар билан яқиндан таниш бўлган.* «ЎТА». *Айниқса қуйида зикр қиладирган ҳолимиз бу икки опа-сингилнинг характердаги фарқларини очиб кўрсатиш учун етадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *дин.* Тасаввуфда мусулмонларнинг худони ёдга олиш билан боғлиқ маросими ва шу маросимда айтиладиган мусиқий-шеърий туркум. *Биз зикрдан гузарга чиқиб, ҳар ер-ҳар ерда бўлаётган базмларни томошо қилдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Халфаларни ҳам таклиф этинг, зикр олдидан овқатланиб олишсин.* Ё. Шукуров, Қасос.

ЗИКР-САМО, зикру само [*а.* ذکرسماع — номини айтиш ва тинглаш] *қ.* **зикр 2.** *Илмнинг, санъатнинг, китобнинг ўрнини сўфиларнинг тасбеҳи, каромати, зикру самоси эгаллади.* Ойбек, Навоий.

ЗИКРХОНА [зикр + хона] Зикр тушиладиган ёки тушилаётган жой, хона.

Зикрхона у ерда, ҳалимхона бу ерда Хизматни бирор ерда қилиб, ҳақини бошқа ерда талаб қилинганда айтиладиган ибора.

ЗИКРЧИ Зикр тушувчи одам, зикр қатнашчиси. *Бобом «ҳув» деб, дарров ўртадаги зикрчиларга қўшилиб, зикр тушиб кетди.* Ойбек, Болалик.

ЗИЛ I Ердан узиб бўлмайдиган даражада оғир (нарса, юк ҳақида). *Зил юк.* ▬ *Лойга тушди югуриб шу чоғ, Зил шотини кўтарди азот.* Мирмуҳсин. *Шофёр зил гавдасини бир тебратиб қўйиб, яна гапга тушиб кетди.* «Муштум».

ЗИЛ II [*а.* ضلّ — йўлдан озиш, адашиш; ҳалокат] Кишига оғир ботадиган, оғир тегадиган. *Ҳазил, ҳазилнинг таги зил.* Мақол.

Ичдан зил кетмоқ 1) қаттиқ мулзам бўлмоқ, хижолат тортмоқ; 2) алам ва ҳасаддан эзилмоқ, руҳан қийналмоқ. *Натижада ютуқларимизни кўролмай, ич-ичидан зил кетаётган душманларимиз шармандаю шармисор бўлди*. Н. Сафаров, Оловли излар; 3) қўрқиб хавотирликка тушмоқ, ич-ичидан қўрқмоқ. *Мадумар ҳокимнинг совуқ муомаласини кўриб, ичидан зил кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗИЛ III Бир-бирига уриб чалинадиган, металл дисклар шаклидаги мусиқа асбоби; *қ.* **гонг 1.** *-Маданият уйи асбоблар сотиб олгани пул берди. Ҳозироқ барабан, зил, карнай сотиб олдик, — деди Собиржон Машрабга.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

ЗИЛДАЙ, =дек Жуда оғир, кўтариб бўлмас даражада оғир. *Поезд жўнашига учинчи қўнғироқ урилганда, икки қўлида зилдек чамадон кўтарган, бўйни елкасига туташиб кетган бир киши кирди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Кайфияти бешбаттар хуфтон бўлган Фармонов уйга қайтди-ю, ечинмасдан, зилдай гавдасини диванга ташлади.* «Муштум».

ЗИЛ-ЗАМБИЛ *қ.* **зилдай.** *Зил-замбил гилам.* ■ *Каттақўрғон шаҳридаги комбинат ишлаб чиқараётган зил-замбил столлар, диванларни ўрнидан қўзғатиш учун кўтарма кран керак.* О. Юнус, Қочинг, телефон жиринглаяпти. *Кетмонни кўтарай десам — зил-замбил.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Олинган намуналарни Викторнинг зил-замбил чамадонига солиб, ўзи тўшак-қопга кирди.* С. Кароматов, Олтин кум.

Зил-замбил бўлмоқ Хижолатдан ноқулай ҳолатда қолмоқ, изза бўлмоқ. *Мен зил-замбил бўлиб, ерга кириб кетай дедим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

ЗИЛЗИЛА [*а.* زلزله — ер силкиниши, титраши] Табиий сабаб орқасида вужудга келадиган ер ости силкиниши ва тебраниши; ер қимирлаши. *Бир нафаслик зилзиладан кечаги шаҳарлар саҳрога айланди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Тошкент зилзиладан кейин янги кўриниш олди.* Газетадан. *Кундузги олти балли зилзила, иморатларнинг қисир-қисири ваҳимани кучайтирди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЗИЛЗИЛАБАРДОШ [*а.+ ф.* زلزلهبرداش — зилзилага чидамли] Ер силкинишларига, зилзилага чидайдиган, бардош берадиган. *Зилзилабардош иморатлар.*

ЗИЛЗИЛАШУНОСЛИК Геофизиканинг зилзиланинг содир бўлиш сабабларини, унинг оқибатларини ўрганувчи бўлими; сейсмология. *Ўрта Осиёда зилзилашунослик фанини ривожлантириш халқ хўжалиги тараққиётида катта аҳамиятга эгадир.* «Фан ва турмуш».

ЗИЛЛАТ [*а.* ذلت — хорлик, хўрланиш; шармсорлик] *кт.* Камситиш, хўрлаш, ҳақорат; тубанлик. *-Шунда биз зорликдан, зиллатдан қутулурмиз, тинч бўлурмиз, ватанимиз тинч бўлсин, омин! — деди оломон.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳар балодан асрагучи энг муҳим қиммат яроғ — Тири ваҳшат, ханжари зиллатга қалқондир китоб.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ЗИЛОЛ [*а.* زلال — тоза, булоқ суви] *кт.* Ниҳоят даражада тиниқ, шаффоф. *Зилол сув.* ■ *Йўл ёқасидаги ариқда зилол сув мавж уриб оқмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Улар* [*Турғун ва Саодат*] *пастга тушганда, дарёнинг зилол суви бўтана бўлиб, қирғоқдан оша бошлаган эди.* О. Ёқубов, Тоғ қизи. *Зилол сувнинг ойинасида Иккисининг акси жонланар.* Ҳ. Олимжон, Икки қизнинг ҳикояси.

ЗИМ: **зим (***ёки* **зим-ғойиб) бўлмоқ** Йўқ бўлмоқ, ғойиб бўлмоқ, йўқолмоқ, бедарак кетмоқ. *Бир ҳафтадан бери қаёққа зим бўлдинг?* З. Фатхуллин, Оби ҳаёт. *Қилғилиқни қилиб бўлиб, бандитлар бирпасда зим-ғойиб бўлдилар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаётмамот. *Икромжон диванга ўтириб қолди. Турсунойнинг завқи зим-ғойиб бўлди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЗИМДАН [*а.* ضمناً — билвосита, яширинча] *рвш.* Махфий суратда, яширинча, билдирмасдан. *Зимдан кузатмоқ.* ■ *Пайғамов мийиғида кулиб, кампирга зимдан қаради.* С. Нуров, Нарвон. *Алимардон чойни оларкан, зимдан унга қараб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [*Ашурхон*] *Ширмонхоннинг унга зимдан тикилиб турганини сезиб, безовталанди.* С. Зуннунова, Олов. [*Майна*] *Ошиқ йигитларнинг кўзлари ва илиқ табассумлари ҳақида зимдан ўйлаб, яна ўзидан-ўзи уялиб кетарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЗИМ-ЗИЁ [*ф.* سیمسیاه — «сиёҳ» сўзининг куч. шакли: тўқ қора] Ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган даражада қоронғи; қопқоронғи, тим қоронғи. *Зим-зиё тун.* ■ *Меҳмонлар кўчага чиққанда, атроф зим-зиё, юлдузлар улкан қора чодирга қадалган беҳисоб чироқлардек йилтилларди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Нестеренколар қайиқларда ўтириб олиб, зим-зиё тунда дарёда.. эшкак тортиб борардилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Чирилдоқлар овозига тўла зим-зиё чўл кечаси.* М. Мансуров, Ёмби.

Зим-зиё бўлмоқ *айн.* **зим (***ёки* **зим-ғойиб) бўлмоқ** *қ.* **зим.** *-Оппоқ қизим, жуда зим-зиё бўлиб кетдинг? Хабар ҳам олай демайсан? — деди Мурод ота.* И. Ўктамов, Ҳикоялар. [*Ашир*] *Зим-зиё бўлиб кетиб, бирдан шаҳардаги чайқов бозор ўртасидан шўнғиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Зим-зиё қилмоқ** Йўқ қилиб юбормоқ, йўқотмоқ; ўзлаштириб олмоқ.

ЗИМИСТОН [*ф.* زمستان – қиш] **1** Қиш. *Зимистон фаслида кирсанг уйингга, Ҳузури дил, чу боғу бўстон печ.* Муқимий. *Ҳар майса, қиёқ қиш уйқусидан уйғониб, зимистон совуқларидан қутулиб, яйраб-яшнаган.* Ш. Рашидов, Асарлар.

2 Ёруғлик, офтоб нури тушмаган жой; қоронғилик. *Зимистон. Эшик тирқишидан ипдек нур тушиб турибди.* С. Сиёев, Аваз. *Осмонда қора булутлар пайдо бўлиб, ўрмон ичини зимистонга айлантирди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

3 *сфт. кўчма* Қоп-қоронғи, тим қоронғи, зим-зиё. *Долон кундуз кунлари ҳам қоронғи – зимистон бўлади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кўзимни очсам – уй зимистон, болишни қучоқлаб ётибман.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Уйнинг ичи зимистон эди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 *кўчма* Рўшноликдан маҳрум, зиёдан маҳрум ҳаёт. *Не зотлар ўтдилар ҳасратга тўлиб, Кунлари зимистон, туни сим-сиёҳ.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ёруғ дунё шу экан, деб зимистонга кўникиб қолганмиз* [*деди Онахон*]. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Зимистонинг битди энди, Турғуной, Бахтинг кулди бамисоли тўлган ой.* И. Султон, Номаълум киши.

5 *кўчма* Номаълум, қоронғи нарса; номаълумлик. *-У одамнинг ўтмиши зимистон. Ана шу ўтмишини яшириб юради, – деди Сартаков.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ЗИММА [*а.* ذمّه – таъминлаш, ҳимоя, қарз; виждон; масъулият] (*фақат ж. к., ў. -п. к. ва ч. к. шаклида эгалик қўшимчалари билан ишлатилади*) Кимсанинг гарданидаги, бўйнидаги иш, вазифа, масъулият, бурч. *Агар сен бу ёқни ўз зимманга оладиган бўлсанг, бу томондан ҳам хотиржам бўламан.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ишнинг оғири масъул котибнинг бўйнида, журнал чиқариш деярли шу тўртликнинг зиммасида эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Аввал бу юмушлар Мамарайим аканинг зиммасида экан.* «Шарқ юлдузи».

Зиммасига олмоқ Гарданига олмоқ. *Хўжалигимиз деҳқонлари ўз зиммаларига олган давлат топшириғини шараф билан адо этдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Зиммасига тушмоқ** Гарданига тушмоқ. *-Зиммамизга тушадиган ишни билиб олайлик, ўртоқ раис, – деди ярим ҳазил оҳангда Дмитрий Николаевич.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Зиммасига юкламоқ** Гарданига юкламоқ. *Ҳақиқатан ҳам батальон зиммасига катта масъулият юклатилган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЗИМН [*а.* ضمن – таркибидаги, ичидаги нарса] *кт.* Мазмун, моҳият; асос, замин. *Биз бул ғазал мусаннифини тутиб, сазойи этишни эмас, ғазал зимнидаги сўзларни мушоҳада қилиб кўрмоғимиз мақбулдир.* С. Сиёев, Аваз.

ЗИМНАН [*а.* ضمناً – билвосита, яширинча] *эск. айн.* **зимдан.** *Зимнан кузатмоқ.*

ЗИМ-ҒОЙИБ: зим-ғойиб бўлмоқ *қ.* **зим.**

ЗИНА [*ф.* زينه – поғона, даража; нарвон, пиллапоя] **1** Бино ва иншоотларда юқорига чиқиш ёки пастга тушиш учун мўлжаллаб ясалган поғонали қурилма ва унинг ҳар бир поғонаси; зинапоя. *Ғиштин зина. Мармар зина. Зинадан чиқмоқ.* ■ *Ҳамдам ака айвон зинаси олдида тўхтади.* С. Зуннунова, Гулхан. [*Алимардон*] *Кампирнинг гапларини эшитиб ҳам ўтирмай, зиналардан чопиб тушиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Сафарали бир зина пастга тушган эди, орқада рус қизи бир нима деди.* Ойдин, Келин ўғил туғибди.

2 Остона, бўсаға. *Эшик очилиб, шоп мўйлов, гўштдор юзидан заҳар томчилаган Мочалов билан бирга унинг каби погонли, яроғ-аслаҳали.. тўра зинада қаққайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Узоқдан дарвозамиз кўринганда, юрагим шув этиб кетди. Дарвоза зинасида кимдир чўққайиб ўтирарди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

3 *кўчма* Босқич, поғона; марта, карра. *Хоннинг йўлбошчиси бўлган кишининг ўзи зулмда Азизбекдан неча зина баланд ўринни ишғол этувчи кимса бўлса, биз қандоқ қилайлик!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗИНАПОЯ [*ф.* زينه‌پايه] *қ.* **зина 1**. *Бугун Бобур келишидан олдин Хўжа Абдуллонинг фармойиши билан қасрнинг зинапояларига яна пойандоз тўшалди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Латифий Фотиманинг қўлидан ушлаб, зинапоядан четроққа тортди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЗИНГИЛ: **зингил солмоқ** *шв.* Разм солмоқ, астойдил, синчковлик билан тикилмоқ. *Намозшом эса чорпояда терлаб-пишиб ёвғон шўрвага нон бўктириб еяётган жигар-*

банди — Қодирга зингил солиб қаради, хўп оғиз жуфтлаб кўрди, аммо истиҳола қилди, индамади. «Ёшлик».

ЗИНДА [*ф.* زنده — жонли, тирик] **1** *эск.* Тирик, барҳаёт.

Зинда қилмоқ Тирилтирмоқ; ҳаёт, жон бахш этмоқ. [*Ҳайитжон Тўлахонга*:] *Бир аканг борки, мурдани зинда, зиндани газанда қилади.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Фироқингда гоҳи юз ўлдириб, гоҳ зиндалар қилдинг. Висолинг заҳридан нўш айласам, сен ғамзалар қилдинг.* «Муштум».

2 *қарғ.* Ўлгур, бадбахт. *Остонада ўлигинг қолсин, зинда!* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Илоё ўнгланмасин, мени куйдирган зинда*! [*деди Холжон*]. Уйғун, Асарлар.

ЗИНДОН [*ф.* زندان — турма, қамоқхона; бандихона] **1** *тар.* Амир ва хонлар замонида ер остига қурилган зах ва қоронғи қамоқхона. *Зулм зиндондан ёмон.* Мақол. ▬ *Маҳбусларга тўлиб зиндонлар, Адолат деб тўкилди қонлар.* Э. Раҳим, Янги қадам.

2 *кўчма* Азоб-уқубат макони; азобхона, ғурбатхона. *Хуросон олимлар учун зиндон* [*деди Бадиа*]. Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳеч маслаҳат чиқмади, Эр ва хотин бемадор: Бўлган эди кенг дунё Булар учун зиндон, тор.* Ғайратий. *Гуландом дуторни олиб созларкан, деди: -Дутор бўлмаса, бу зиндонда юрагим ёрилиб ўлар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўча хандон, уй зиндон Кўчада ўйнабкулиб юрувчи, уйда ғазабини сочувчи одам ҳақида. [*Нафиса*] *Бундай қараса, қизи Сурайёнинг тили «қақа», «шоколад»га келиб, пилдираб юриб ҳам кетдики. Аъзам димоғидан тушмайди, юзингда кўзинг борми, демайди. Кўча хандон, уй зиндон.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЗИНДОНБАНД [*ф.* زندانبند — зиндонга қамалган] Зиндонга солинган, қамалган. *Амир уларни яна дарҳол ушлатиб қаматди, ўлдирди, зиндонбанд қилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЗИНДОНБОН [*ф.* زندانبان — зиндон қўриқчиси] Зиндон қоровули. *Улар қалъа дарвозаси ёнига етиб келиб, зиндонбонларга йўлиқишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Зиндон ёнига бориб, зиндонбон билан гаплашди.* С. Сиёев, Аваз. *Зиндонбон, бекларнинг қошига бориб, маълум қилди.* «Эрали ва Шерали».

ЗИНДОНИ [*ф.* زندانی — маҳбус] *с. т.* Баданга чиққан катта, ёмон яра.

Пулига зиндони чиқибдими Ўз пулини қизғаниб, бировдан тама қилувчиларга нисбатан қўлланадиган ибора.

ЗИНДОНЧИ *с. т.* Зиндонбон.

ЗИННИХ *с. т.* Зирних.

ЗИНО [*а.* زناء — бевафолик, бузуқлик; фоҳишалик] **1** Никоҳсиз, ношаръий жинсий алоқада бўлиш; фаҳш. *Бир шаҳарда бир бузуқ хотин бор экан. Шу хотин қариганда, қиёмат ваҳмига тушиб, аъламнинг олдига борибди: -Аълам почча, киши зино қилса нима бўлади? — деб сўрабди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мана шу табиати билан у* [*Қосим ювош*] *хиёнат, зинони билмаган ибтидоий давр одамларини эслатарди.* Ў. Ҳакимали, Навбаҳор.

2 *кўчма* Гуноҳ, айб. *-Бомдод намозида ё шариатга, ёинки зино ишларга рўйхушлигингизни аён қилинг,— деди мударрис Мамаражаб.* С. Сиёев, Қиз боланинг панди. *Насриддин ҳам кетар сал йироқ, Юз бермасин тағин бир зино.* М. Али, Боқий дунё.

Валади зино *қ.* **валад 1**.

ЗИНОКОР [*а.*+*ф.* زناکار — зино қилувчи, бузуқ] Зино ишлар қилувчи; бузуқ, фосиқ. *Асрорқул кулиб: -Зинокор! — деди таънали оҳангда. — Уялмайсанми?* Н. Қиличев, Ёронгул.

ЗИНОКОРЛИК Хиёнат, бузуқлик, фаҳш.

ЗИНХОНА 1 *қ.* **зиндон 1**. *Беш минутдан кейин бойнинг зинхонасида «вой жоним» деб ётганлар устига яна икки банди ортган эди.* С. Айний, Қуллар. *Катта бинонинг ўнг тарафида хонақоҳ ва чап томонида икки қаватли иморат, унинг ости зинхона ва устки қисмида қатор ҳужралар.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 *кўчма* Фаҳш, гуноҳ ишлар билан шуғулланадиган жой. *Ишдан кетсам кетаманки, бу идорани — бу пирхонани зинхона қилишингизга йўл қўймайман.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЗИНҚАРЧА *шв. айн.* **жинқарча 1.** *Фақат «Равшан» ва «Қундуз билан Юлдуз» достонларининг ўзидагина баҳрин.. зинқарча, зарғалдоқ.. каби олтмишга яқин қуш номлари тилга олинади.* «ЎТА».

2 *айн.* **жинқарча 2.** *-Хўш, ўзингча фалсафа деб ўйлаган бу одобсиз сафсатанг билан нима демоқчисан? Мени илон қиляпсанми,*

зинқарча?! — деди Фосиҳ афанди Дилшодга. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗИНҒИЛЛАМОҚ 1 Жуда тез юрмоқ, зипилламоқ, ғизилламоқ. *Фойтунчи ирғиб тушиб, Калтаминор томон зинғиллаб кетди.* С. Сиёев, Аваз. *У зинғиллаганича навбатчи аёл ўтирадиган томонга кетди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Кенжа зинғиллаганича уйга чопиб кетди.* Н. Фозилов, Оқим.

2 Ғувиллаган товуш чиқармоқ, визилламоқ. *Қулоғим зинғиллаб кетди.* ▬ *Тепада зинғиллаб учган снарядлар, миналарнинг бад садоси, олов ва тутун аралаш ер уюмлари..* Ойбек, Қуёш қораймас. *Лекин атрофда сукунат, қулоқларни зинғиллатувчи сукунат ҳукмрон.* С. Нуров, Нарвон.

ЗИНҲОР [*ф.* زنهار — хавфсизлик, ҳимоя, паноҳ] *рвш.* Асло, сира, мутлақо. *Бировнинг айбига кулмагин зинҳор, Сенинг ҳам айбингга кулувчилар бор.* Мақол. ▬ *Дунёни қизғанма мендан, азизим, Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинҳор.* А. Орипов. *Отангни(нг) элига бормагин зинҳор Ҳам бизларни қилма, ука, гуноҳкор.* «Эрали ва Шерали». *Рихсивойнинг фикрича, қурилишни тўхтатармиш, электрда соғилган сут ёқмасмиш. Мен бу фикрга зинҳор қўшилмайман.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЗИНҲОР-БАЗИНҲОР *рвш.* Сира ҳам, асло-асло. *Мажддиддин.. жаҳлли товуш билан гапирди: -Сиз бу сўзни иккинчи дафъа зинҳор-базинҳор оғзингиздан чиқарманг.* Ойбек, Навоий. *Йўқ, Султон дардини жиянига зинҳор-базинҳор ошкор этмоқчи эмас.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *[Содиқжон:] -Юлдузхон чиндан ҳам сенга кўнгил қўйган бўлса-я, сен буни сезсанг ҳам, зинҳор-базинҳор сир бой берма, — деди ўзига ўзи.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЗИП: **зип этиб** Жуда тез, елдай учиб. *Зип этиб трамвайга чиқиб олдим.*

ЗИПИЛЛАМОҚ *с. т.* Ғизилламоқ, жуда тез юрмоқ, елмоқ. *Бир оздан сўнг амакиси ҳовлига чиқди ва зипиллаб ошхонага кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўзи бебаҳо дастёр-а, зипиллаб, ҳамма ишни битиради бир зумда.* С. Нуров, Нарвон. *Акам бўлса, отам уйдан кетиши билан, тегирмон бошига қараб зипиллайди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЗИР I *рвш.* Иш-ҳаракатнинг тез, чаққон бажарилишини, қайта-қайта амалга ошишини билдирадиган сўз. *Хизматкор хотин зир югуриб, чой тайёрларди.* Мирмуҳсин, Умид. *Меҳмонларга ҳали у, ҳали буни ташиб, ташқари ҳовли билан ичкари ҳовли ўртасида зир югурдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Наҳотки икки йилдан бери бир бечорани зир қатнатиб овора қилсалар, Тошкент қишлоғи билан Марғилоннинг ораси озгина йўлми ахир?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗИР II *тақл. с.* Ларзадан тебранувчи нарсаларнинг ҳаракати ва товуши ҳақида. *Портлаш зарбидан ойналар зир этиб кетди.* ▬ *Руҳли, кучли кўкракдан чиққан бу ашула теваракни зир эттириб юборгудек, Отабекка ҳам бошқача бир таъсир берадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Зир титрамоқ 1) совуқдан, қўрқув ёки ҳаяжондан қаттиқ қалтирамоқ. *Зир титрадим, бир қўрқдимки, нафасларим бўғилиб кетди.* Ойбек, Нур қидириб. *Зумрад зир титраб, ҳамма уйни айланиб чиқди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл; 2) *кўчма* жуда ҳам қўрқмоқ, ҳайиқмоқ. *У мендан зир титрайди.* ▬ *Такяхона эшиги ичкаридан тарс-тарс урилди. Эшони судур зир титради.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. **Юраги зир этмоқ** Юраги шув этмоқ, юраги гуп-гуп уриб кетмоқ. *Тантибойваччанинг юраги зир этиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗИРА [*ф.* زیره — хушбўй ўсимлик уруғи] Зирадошлар оиласига мансуб кўп йиллик хушбўй зираворўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган уруғи. *Садаф хушбўй зира солинган шавлани чолга суриб қўйди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Чошнагир аёл олтин лаганда зира ҳиди келаётган кабоб кўтариб кирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЗИРАВА *шв.* Зирапча.

ЗИРАВОР Овқатни хушбўй ва хуштаъм қилувчи ўсимликлар (мас. зира, зирк, қораканд, зарчува, қалампир, мурч) нинг умумий номи. *Ҳатто шу ниятда аллақаёқдан зиравор ҳам топиб келди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кабобнинг, зираворлар сепилган думба ёғининг димоғни қитиқловчи иси чор-атрофга ёйилди.* «Ёшлик».

ЗИРАЗОР Асосан зира ўсган майдон. *Табиий зиразорларимиз ҳам қаровсиз қолиб, пайҳон бўлиб кетяпти, бу ҳол эса ўсимликнинг кўпайишига халал беряпти.* «Фан ва турмуш».

ЗИРАК Қулоққа тақиладиган безак; исирға. *Тилла зирак.* ▬ *Икки қулоғига офтобни узиб олиб қўйгандек ялтироқ зирак таққан бир қиз кирди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Сабоҳатнинг панжаларида қўша-қўша узук, қулоғида зирак, билагида тилла билагузукка ўрнатилган соат.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЗИРАЛАМОҚ Зира сепиб қўймоқ, зира билан аралаштирмоқ. *Гўштни зираламоқ.*

ЗИРА-ПИЁЗ Майда тўғралган пиёз билан зира аралашмаси. *Зира-пиёз сепилган гўштнинг ҳиди Аҳмедовнинг сўлагини оқизди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЗИРАПЧА Терига санчилиб қолган ниначдек ингичка чўп; тиканак. -*Сенинг биронерингга кирган зирапча менинг юрагимга киради,* — *деди Ашурмирзо.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Зирапча кирса ҳам, тиш оғриса ҳам ҳаловат йўқолади.* «Фан ва турмуш».

ЗИРБАК [*ф.* زیره‌با — зира солинган гўштли шўрва] Палов учун қовуриб, сув солиб қайнатиб қўйилган гўшт, пиёз, сабзи. *Саидий ҳовлининг саҳнига бурилди, димоғига зирбак ҳиди келди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЗИРВАК *с. т.* Зирбак. *Бир қозонда макарон шўрва қайнаяпти. Иккинчисида ошнинг зирвагини қиляпман.* П. Қодиров, Қадрим.

ЗИР-ЗИР: **зир-зир титрамоқ** (*ёки* **қалтирамоқ**) *айн.* **зир титрамоқ** *қ.* **зир.** *Зир-зир қалтираган Гулнор шўрвани нари-бери сузиб келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саҳнадаги Гулсаранинг қайғу-аламлари эскиликнинг даҳшатли кучи олдида зир-зир титраб турадиган аёлнинг қайғу-кулфатлари эди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ЗИРИЛЛАМОҚ 1 Ларзага келмоқ, титрамоқ. *Момақалдироқдан деразалар зириллади.* ▬ *Узоқдан самолётларнинг гувуллаши эшитилди. Ер ва ҳаво зириллади.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Синфимиз болалар кулгисидан зириллаб кетди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 *кўчма* Жуда қўрқмоқ, ҳайиқмоқ. *Уста Маҳкамнинг кичик қизи Инобат маҳмадонагина чиққан. Келин аялари ҳам, опалари ҳам ундан зириллаб туришади.* С. Аҳмад, Асарлар. *Моҳидил ҳам акасининг ўжарлигидан зириллаб турарди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

3 *айн.* **безанглаҳмоқ.** *Мажлисларда кимнинг камчилиги бўлса, [Асрора] шартта юзига айтаверарди. Ундан раис ҳам ҳайиқарди. Қизлар-ку зириллашарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Юраги зирилламоқ Кучли даражада қўрқмоқ. *Унинг* [*Муқаддамнинг*] *қадам босишга мажоли қолмаган, ичкарига кириши биланоқ пичоқ кўтариб турган дадасига рўпара бўладигандай, юраги зирилларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЗИРИҚТИРМОҚ Тумтарақай қилиб қувламоқ, тириқтирмоқ. [*Ёрмат*] *Тумов орқасида бурнидан тўхтовсиз оққан сувни ҳам сезмайди.. Чағир-чусур қилиб, ошиқ ўйновчи маҳалла болаларини зириқтириб қувлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗИРК [*ф.* زرک , زرشک — қизил ва аччиқ мевали ўсимлик, барбарис] Тоғларда ўсадиган кўп йиллик тиканли бута ва унинг ҳосили. *Яна йўл. Тоғ-тош. Харсангларга қапишиб ўсган зирк.* Газетадан. *Аваз билан Ҳулкар юқоридан шилдираб тушаётган тиниқ сув бўйида, арча билан айқашиб ўсган зирк тагида ўтириб овқатланишар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Зира, зирк солинган хушбўй паловнинг бир чимдими ҳозир қилди хумори.* С. Зуннунова, Соғиниш.

ЗИРНИХ [*а.* زرنیخ — маргимуш; маргимушли олтингугурт] **1** Бадандаги тукни тўкиш ва яра-чақаларни даволаш учун ишлатиладиган олтингугуртли қоришма.

2 Дўппига гул босиш учун ишлатиладиган сарғиш бўёқ.

ЗИРОАТ [*а.* زراعت — деҳқончилик] **1** *айн.* **деҳқончилик 1.** *Кучимиз кам, ҳукумат ўзининг трактори, машиналари, бояги айтган зироат илмини биладиган муллалари билан бизга кўп ёрдам берсин, дейман.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *айн.* **деҳқончилик 2.** *Ахир у ерда одамлар бўлган-ку! Улар зироат қилишган.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

3 Қишлоқ хўжалик экинлари. *Ерда қолмас зироат, Омон бўлсак кўпчилик.* Газетадан. *Камбағал деҳқонларнинг қанча-қанча зироатлари сувсизликдан қуриб кетган.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ЗИРОАТЧИ *эск.* **1** *қ.* **деҳқон.**

2 *айн.* **агроном.** *Жадид мактабларни кўпроқ очиб, дунёвий фанларни ўқитиб, ўз миллатимиздан* — *асилзодаларнинг ўғилларидан муҳандис, зироатчи, доктор, техник тайёрлаб чиқаришимиз лозим* [*деди Исломхўжа*]. Ж. Шарипов, Хоразм.

ЗИРОАТЧИЛИК *эск. айн..* **деҳқончилик 2.** [*Абдужабборхўжа*] *Пахтачилик зироатчиликда энг кўп даромад келтирадиган бўлгач, баззозликдаги дўконини акаси Аҳмадхўжага топшириб, ўзи Сойариқ қишлоғига кўчиб чиқди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ЗИРҚ-ЗИРҚ: **зирқ-зирқ қилмоқ** Зирқираб, қақшаб оғримоқ.

ЗИРҚИЛЛАМОҚ *с. т. қ.* **зирқирамоқ**. *Муқаддамнинг мияси зирқиллаб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Юраги зирқилламоқ Кучли ҳаяжондан ёки қўрқувдан юраги дукилламоқ. *Ёримдан хабар келса, Юрагим зирқиллайди.* «Оқ олма, қизил олма».

ЗИРҚИРАМОҚ Тўхтовсиз оғриб турмоқ, зирқ-зирқ қилиб қақшаб оғримоқ, сирқирамоқ. *Йигитали танҳо юлдузга тикилганича анча ётди. Оёғининг зирқираши сал босилди.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Ўнг қўлимни кўтара олмайман. Зирқираб оғрийди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бозорқул баъзида чалопдан ичи қулдураса ёки кечаси суяклари зирқираса ҳам чўчиб кетади.* А. Мухтор, Чинор.

Юраги зирқирамоқ Руҳан эзилмоқ, қийналмоқ; юраги зирқ-зирқ оғримоқ. *Домла Шомуродов эшик ёнидаги креслога ўтирди, эсига негадир яна кампири тушиб, юраги зирқираб кетди.* О. Ёқубов, Диёнат.

ЗИРҚИРОҚ Зирқираган, қаттиқ оғриқ. [*Элмуроднинг*] *Баданига зирқироқ югурди, кўз ўнгини туман қоплади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЗИРҲ [*а.* زرخ – темир қоплама; *ф.* زره – совут] Ҳарбий кема, танк ва ш. к. нинг ўқ ўтмайдиган темир (пўлат) қопламаси; бронь. *Гоҳ кунлари чўл шамоли чинқириб келиб, азамат экскаваторнинг зирҳларига, ғилдиракларига урилади.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди.

ЗИРҲЛАМОҚ Зирҳ билан қопламоқ, бронламоқ. *Зирҳланган автомобиль.* ▬ *Унинг* [*посилканинг*] *ичига.. кабелларни зирҳлаш учун тайёрланган пўлат ленталарнинг қийқимлари қоғозга яхшилаб ўраб жойлаштирилган эди.* Газетадан.

ЗИРҲЛИ Зирҳ билан қопланган, бронли. *Зирҳли поезд. Зирҳли пароход.*

ЗИРҲЛОВЧИ Зирҳ билан қопловчи шахс. *Орадан бир ҳафта ўтиши биланоқ зирҳловчиларга ана шундай ҳужжат топширилди.* Газетадан.

ЗИЧ 1 Орасида бўш жой, тирқиш қолдирмай, бир-бирига тақаб қўйилган, ёпиштирилган; жипс. *Зич пол. Эшикни зич ёпмоқ.* ▬ *Зич қўйилган каравотларда юзга яқин бола ухлаб ётибди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Жуда қалин, дўлдай зич учаётган ўқлар самолётларнинг теварак-атрофидан визиллаб ўтиб турибди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Зич қўйилган парталарни тўлатиб ўтирганларнинг ҳаммаси ота-оналар эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Кўп; тиғиз, қалин. *Зич ўрмон.* ▬ *Майдонча атрофида одамлар зич.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Автобус ичида одамлар зич, ҳаво дим, турли хил атирларнинг ҳиди аралашиб, нафасни бўғадиган бир вазият юзага келган эди.* Газетадан.

ЗИЧЛАМОҚ Орасида жой қолдирмай, бир-бирига тақаб ёпиштирмоқ, маҳкамламоқ, жипсламоқ. *Мунисхон эшикни зичлаб, Саидийнинг қаршисига ўлтирди-да, унга томон энгашиб пичирлади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Рулдаги йигит эшикни қайта очиб, зичлаб ёпди.* «Шарқ юлдузи».

ЗИЧЛИК 1 Бир-бирига ўта яқин жойлашганлик; тиғизлик, кўплик, қалинлик. *Аҳолининг зичлиги. Экинларнинг зичлиги.*

2 *физ.* Модданинг ҳажм бирлигидаги миқдори, массаси. *Сувнинг зичлиги.*

ЗИҚ [*а.* ضيق – торлик, тиғизлик, танглик] **1** *рвш. (фақат кесим взф.)* Ғоят чекланган, тиғиз; ниҳоятда оз. *-Боришим керак. Вақт жуда зиқ, – деди Ҳотам.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Вақт зиқ, тонг ёриши яқин, тез ҳаракат қилиш керак эди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *Умрзоқ ота иш тиқилинч, вақт зиқ эканини фаҳмлаб, ошдан гап очмай қўя қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Бекордан-бекор диққат бўлаверадиган, тажанг, юраги тор. *Зиқ одам.*

Зиқ бўлмоқ Арзимаган нарсага юраги сиқилмоқ, диққати ошмоқ, диққат бўлмоқ. *-Оҳ, Пўлат, ғалати одатинг бор-да.. ўзингдан-ўзинг зиқ бўлаверасан,– деди Баҳор.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шу қадар зиқ, нозиктабиат бўлиб қолгани учун Бегимхон кўп дакки эшитди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳадеб ишга тўғри бориб, тўғри қайтаверса ҳам, зиқ бўлиб кетаркан киши.* Ф. Мусажонов, Собиқ. **Зиқ қилмоқ** Кимсанинг юрагини сиқмоқ, диққатини оширмоқ, қийнаб безор қилмоқ. *Бой кечадан бери уйдан жил-*

гани йўқ, уйдагиларни ҳам зиқ қилиб юборди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

3 Юракни эзадиган, диққатни оширадиган. *Зиқ иш.*

ЗИҚЛИК 1 Тиғизлик, танглик, чекланганлик (пайт, вақт ҳақида). *Бойвачча данакдай нонни оғзига ташлаб, вақт зиқлигини билдирмоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ночор қолган Қурбонали, вақтнинг зиқлигидан, онасиникида бўлган хотинини тунда бориб кўриб келди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 Дили хуфтонлик, маъюслик; тушкунлик. *Булутли қиш кунининг юракка зиқлик берувчи хира тонги эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗИҚНА Ўтакетган хасис, қизғанчиқ, мумсик. *Ўзи кўп зиқна, кўп пухта одам. Бир тийинни кўрса, ўн юмалайди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *-Абдураҳмон зиқнанинг ювундихўри бўлиб юраверасизми, айланай эр? — деди Баҳри.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЗИҚНАЛИК Хасислик, қизғанчиқлик. [*Фотима*] *Орадан уч ой ўтар-ўтмас, бухгалтер эрини зиқналикда айблаб, уйига қайтиб келди.* Мирмуҳсин, Умид. [*Куёв*] *Ўта зиқналикдан, торликдан, дамлаб ичадиган чойларни ҳам ўлчаб берадиган бўлди, тийинларини туфлаб тугди.* Ш. Ғуломов, Саҳрода. *Бу катта, кўркам дарвозани узоқдан кўрганлар, дадаси зиқналик қилиб йиғган бойликни ўғли совуряпти, дейишарди.* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

ЗИҚНАФАС [*а.* ضيق النّفس — нафас қисиш, ҳарсиллаш; астма] Нафас қисиш касаллиги; астма. *Зиқнафас касаллигида ҳарсиллаш бирдан юз беради.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЗИҚНОВ: **зиқновга олмоқ** *шв.* Сиқмоқ, қийнамоқ. *Отам билан онам, сендан кичиклар икки болали бўлди, қачон уйланасан, деб зиқновга олишади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ЗИҒИР 1 Поясидан тола, уруғидан мой, ёғ олинадиган бир йиллик ўсимлик. *Зиғир экмоқ.* ▬ *Раис, колхозига план берилмаган бўлса-да, озроқ зиғир, кунжут эктираётганини, битта эски жувозни ҳам сақлаб қолиб, ишлатаётганлигини айтди.* С. Нуров, Нарвон. *Нилуфар далалар янги камалак, Деҳқон мафтун боқар зиғир гулига.* Н. Нарзуллаев, Сайланма.

2 Шу ўсимликнинг уруғи, ҳосили. *Пакана йигитнинг кийимларидан зиғир ёғининг ҳиди келади, унинг касби жувозкаш.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Кавушсимон шамдонга зиғир ёғи қуйилиб, пахта пилик ёқилган бўлса ҳам, жувозхона ичи қизғиш қоронғи эди.* Н. Фозилов, Оқим.

Зиғир ёғдек кўнгилга (*ёки* **меъдага) тегмоқ** Гап-сўзи, хатти-ҳаракати билан жондан безор қилмоқ, жонга тегмоқ. [*Мулларўзи Мулладўстга:*] *Ҳозир бу бойваччангиз ҳам меъдага зиғир ёғдек тегиб турибди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ЗИҒИРАК 1 *бот.* Эфир мойи олиш учун экиладиган кўп йиллик ўт. *Яра-чақа бўлганларга кампирнинг отқулоқ, зиғирак каби ўтлардан «дори» тайёрлаб бериши-чи?* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Заргарликда: исирғага ўрнатиладиган, олтин ёки кумушдан майда юмалоқ доначалар шаклида ишланган безак тури.

ЗИҒИРДАЙ, **=дек 1** Жуда оз, озгина, жиндек, қитдек. *Авазнинг юраги ачишди. Бенаво, бемажол халқига зиғирдек кўмак беролмаслигини ўйлаб, қалби вайрон бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Жуда кичкина, зиғир уруғича. *Энди, катта мавзулардаги баҳс-мунозаралардан кейин, бу мушкуллик зиғирдеккина кўринди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бир-бирини излар шайдо икки жон. Зиғирдек жон, шайдолиги бир жаҳон.* Миртемир. *-Ҳой куёв, сизга бир гап бўлдими, зиғирдек бола зерикишни қаёқдан билсин, — дерди* [*Гулсум кампир*]. Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЗИҒИРКОР Зиғир экиш ва етиштириш билан шуғулланувчи шахс.

ЗИҒИРПОЯ 1 Зиғир ўсимлигининг пояси, танаси.

2 Зиғир экилган дала, майдон. *Подачи молларни тор кўчадан тез ҳайдаб, далага чиқаради: у ерда зиғирпоя бор.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Белоруссиядаги ўрмонларнинг шовқини, ундаги зиғирпояларнинг нафаси.. ҳамма жойларга етиб келгандек бўлди.* Газетадан.

ЗИҒИРЧА *айн.* **зиғирдай.** *Бирорта одам зиғирча камчилигимиз ҳақида оғиз очса, томоғидан ғиппа бўғамиз.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Біровга зиғирча озор берган инсон эмасман.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *[Жўрапошшанинг] Рангида зиғирча қон йўқ,*

оп-оқариб кетибди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сизда вафо деган нарсадан зиғирча борми? – деди Нишонбой Чиннихонга.* П. Қодиров, Юракдаги қуёш.

ЗИҒИРЧАЛИК Оз бўлса ҳам, кичик бўлса ҳам. *Гарчи 1940 йилдан буён торкўчанинг номи уч марта ўзгартирилган бўлса ҳам, бироқ кўчада зиғирчалик ўзгариш бўлмаётир.* «Муштум».

ЗИҲ [*ф.* زه – қирғоқ; ҳошия, жияк] **1** Икки сатҳ кесишган чизиқ; қирра. *Тахтанинг зиҳи. Деворнинг зиҳини чиқармоқ.* ▬ *Токчалар ва пирамонларнинг зиҳлари ганчдан қабартма қилиб ишланган.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Қирғоқ, чет. *Қор учқунлар, том ва девор зиҳлари оқариб қолган эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Эшон ая дераза зиҳига ўтириб, қоронғида шитирлаётган баргларга қулоқ сола бошлади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЗЛОТИЙ [*пол.* zloty] Польша Республикасининг пул бирлиги.

ЗМЕЕВИК [*р.* «змея» с. дан – илонсимон, илонга ўхшаш] **1** *геол.* Силикатлар туркумига мансуб, илон пўстига ўхшаш сарғиш ва кулранг-яшил доғлари бўлган минерал; серпантин.

2 *махс.* Иситиш аппаратларида спиралсимон буралган найча; эгри-бугри қувур.

ЗОБИТ [*а.* ضابط – офицер, миршаб; забт этувчи] Армия ва флотда, умуман, қуролли кучлар тизимида командир мартабасидаги ҳарбий хизматчи; офицер. *Буни менга турк зобити ўргатган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳовлиқиб, рус ҳарбий зобитининг кийимида шаҳзода Исфандиёр кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бу албатта халқ орасида зобитлар ҳақида яхши фикр туғдириш учун қилинган ҳийладир.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

ЗОВ [*ф.* زاو – дара] *шв.* Дара, тоғ оралиғидаги чуқурлик; жарлик. *Тўш-тўшига лашкар қочиб жўнади. Қанча одам зовдан ташлаб ўлади.* «Ширин билан Шакар». *Ўнг томони – учма зов. Икки тегирмон сув ўша зов пастидан оқиб тушяпти.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Ҳожар янгам узоқ-узоқларга кўз тикканча, Чортоқнинг устидан секин-аста зов томонга юриб борарди.* С. Исҳоқов, Олам гўзал.

ЗОВУР Захоб ерларни қуритиш, захни қочириш учун қазилган чуқур ариқ; закан. *Кеча ёмғир ёғиб ўтди. Ерлар лой. Бугун колхозчилар қазишар зовур.* Уйғун. *Даланинг ёндамасидан чуқур қилиб қазилган зовур ернинг охиригача чўзилган.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Кунчиқардан бошланиб, қибла уфққача бориб тақалган зовур ёнбағирларига нурсиз соя тушди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

ЗОВУРЧИ Зовур қазувчи. *Етмиш тўрт ёшга кирган Тожимат зовурчи канал қурилиши ҳақида хабар топиб, икки ўғлини юборибди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Зовур қазувчиларнинг оши учун қишлоқдан икки қовоқ қатиқ йиғиб бораётган бир йигитнинг ҳамроҳлигида Рафиқов яёвлаб, зовурчиларнинг олдига жўнайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЗОДАГОН [*ф.* زادگان – яхши оила фарзандлари] *эск.* Илгари замонларда оқсуякларга, имтиёзли табақага мансуб шахс; асилзода. *Ш. Ҳамроев аввалига чор амалдорларининг, бою зодагонларнинг куни битганига ишонқирамай юрди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Зуҳра бегим тегаман, деса уни оладиган зодагонлар топилар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сарой зодагонлари орасида Абдуллатифга қарши фитна тайёрланади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЗОДИАК [*юн.* zodiakos (kyklos) – ҳайвонлар (доираси)] *астр.* Осмон гумбазидаги Қуёш, Ой, катта сайёралар ва кўпчилик кичик сайёралар йил давомида ҳаракатланадиган ва 12 буржрж [Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сумбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жад(и)й, Далв, Ҳут] жойлашган айлана.

ЗОЕ [*а.* ضائع – йўқолган, нобуд бўлган]: **зое кетмоқ** Бекор кетмоқ; фойдасиз, яроқсиз бўлиб қолмоқ. *Расул аканинг изланишлари зое кетмади: сеялкани минерал ўғит солишга мослаштирди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Меҳнатсевар халқимизнинг тўккан тери, сарфлаган меҳнати зарра бўлса ҳам зое кетмади.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Зое қилмоқ** Бирор ишни бекорга кетказмоқ, йўқ қилмоқ. *Бечора Нодира оғир ҳолда, Анварни кишига шогирд бериб, ўқишини зое қилишга кўзи қиймади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЗОЕЛИК: зоелик тортмоқ (*ёки* **кўрмоқ**) Зиён кўрмоқ, зарар қилмоқ. *Мен сиздан зоелик тортмадим.* ▬ *Ҳар қалай, даштга тер тўкиб, зоелик кўрмади. Нима тикса, олтин бўлиб уняпти.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

ЗОЙИЛ [*а.* زائل – йўқ, бартараф бўлувчи]: **зойил бўлмоқ** Йўқ бўлмоқ; бартараф бўлмоқ. *Мулла Обиднинг юзидаги бояги қайғуришли кайфияти бирмунча зойил бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мавлоно замоннинг моҳир ҳакими эрур. Зора мараз зойил бўлса* [*деди Муҳаммад Паҳлавон*] М. Осим, Сеҳрли сўз.

ЗОК [*ф.* زاک – купоросларнинг умумий номи] *ким.* Темир купороси, темир сульфат; сувда осон эрийдиган оч яшил модда.

ЗОЛ I [*ф.* زال – жуда ҳам қари] *кт.* Кўп иш кўрган, ҳамма нарсага ақли етадиган; тадбирли. *Қўҳна дунё, қари тарих, зол. Сийнанг мунча аламга тўла.* Миртемир. [*Мулларўзи*]: *Энди хат масаласи бўлса, бари бир, у зол хотин бир алдандими, энди ҳушёррок бўлади.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ЗОЛ II [*а.* ذال – араб алифбосидаги ذ – з ҳарфининг номи] Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида ўн биринчи ҳарфнинг номи.

ЗОЛДИР Шар соққа, волдир. *Темир золдир.* ▬ *Одамгарчилик ўлсин, золдирга ўхшаб нуқул нишабга думаласа!* Шуҳрат, Олтин зангламас. *Унинг* [*сэрнинг*] *кўзлари золдирдай ўйнаб кетган эди.* «Муштум».

ЗОЛИМ [*а.* ظالم – зулмкор, мустабид] **1** Зулм қилувчи, зулмкор, жабр қилувчи. *Илоннинг заҳри ёмон. Золимнинг қаҳри ёмон.* Мақол. ▬ *Фақат хотинларгина золим подшони қарғаб чинқиришар, йиглашар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Акрам ҳожи саволида давом этди: -Ҳокимингиз жуда золим эмиш, бу тўғри сўзми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мамлакат пароканда, золим тождорлар қон устига қон тўкурлар* [*деди Мавлоно Фазлиддин*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Раҳм-шафқатни билмайдиган, бераҳм. *Золим эр.* ▬ *Бориб айтинг ўшал золим йигитга, Унинг ишқи бу бағримга туташди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Бераҳмликни, шафқатсизликни ифодаловчи. *Гулсумбиби индамади, ёлғиз золим кўзлари билан ўқрайди-да, айвоннинг бир чеккасида, касал каби, чўзилиб ётди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Жабр-зулм билан тўлиб-тошган, қаҳрли. *У [Йўлчи] ўз синглисини Гулнордан айириб, уни золим танҳолик қучоғига отишни истамаганидан, яна бир неча вақт Унсинни бу ерда қолдиришга мойил эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗОЛИМЛИК Зулм қилишлик, шафқатсизлик. *Золимлик қилмоқ.* ▬ *Демишлар мулк вайронадир, Агар золимлик этса шоҳ.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Уни* [*бойни*] *юз-хотир қилмай, золимлигини дангал юзига солишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Аммо эгачингизни хоҳламаган одамига зўрлаб узатсалар, шунинг ўзи катта бир золимлик бўлмагайми?* [*деди Хонзода*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЗОЛИМОНА [*а.*+ *ф.* ظالمانه – золим каби, золимларча] *рвш.* Золимларга хос равишда; золимларча, шафқатсизларча. *Азизбекнинг бу золимона буйруғига қарши қаттиқ сўзлар айтишни ўйласа ҳам, аччиғини қандай кишига айтилишини ўйлаб, ўзини бир оз йиғди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Зайнаб] Хушрўйнинг юзида золимона бир истеҳзо кўрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗОМБИ [*ингл.* zombi(e)< *африка тилларидан*: муқаддас илон; афсун, жодугарлик билан тирилтирилган мурда] Бегона кимсанинг таъсир кўрсатиши (кучли уйқу дорилар, наркотиклар, онг-фикрни хиралаштирувчи препаратлар, гипноз ва б. руҳий воситалар таъсири) ёрдамида бировнинг буйруғига, хоҳиш-иродасига сўзсиз бўйсунадиган, мустақил фикрлай олмайдиган, ўз шахси ва эркига эга бўлмаган киши; манқурт. *Японияда пайдо бўлган.. зарарли оқимлар турли мамлакатлардаги ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомбига айлантириб кўйгани бу фикрнинг далилидир.* «Миллий истиқлол ғояси».

ЗОМИН [*а.* ضامن – кафил] Рўй берган кўнгилсиз ишга сабабчи, айбдор. *Бунда қутулмоғим мушкулдир гумон, Ўн маҳрамга бўлдим охири зомин.* «Баҳром ва Гуландом». *-Бировнинг жонига зомин бўлишдан қўрқмайсизми? – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хўш, айтинг, ким зомин акам қонига, Хўш, кимлар ачинди унинг жонига.* А. Пўлкан, Изҳор.

ЗОМЧА *шв.* Ранги, катта-кичиклиги турлича бўлган ҳандалакларнинг умумий номи. *Аваз, бозорга кириб, икки зомча* [*ҳандалак*] *ола кетайлик, дея Мутрибни қовун бозорига бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗОНА [*юн.* zone – минтақа] Ер юзининг муайян умумий белгиси билан ажралиб ту-

радиган жойи, минтақаси. *Тундра зонаси. Чегара зонаси.* ▬ *Нейтрал зонадан ўтиб, сойга тушдим.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Ҳамзаобод қишлоғида катта дам олиш зонаси барпо этилмоқда.* Газетадан. *Ўрта Осиё республикалари жуда қуруқ иқлимли зонада жойлашган.* «Фан ва турмуш».

ЗОНАЛ Бирор минтақага, зонага оид. *Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган зонал семинар.* ▬ *Ўтган куни Тошкентда кураш бўйича эркаклар ўртасида жаҳон чемпионатининг зонал турнири бошланди.* Газетадан.

ЗОНД [*фр.* sonde – пайпаслагич; сезгич асбоб] **1** *тиб.* Ички аъзоларни текшириш ёки даволаш учун ишлатиладиган найсимон асбоб. *Ошқозон зонди.*

2 Ер ости қатламларини текширишда қўлланадиган металл бурғи, парма.

3 Метеорологик кузатишлар олиб бориш учун ўзи ёзадиган асбоблар ўрнатиб учириладиган ҳаво шари.

ЗОНИ(Й) [*а.* زانى – зино қилувчи] Фаҳш иш билан шуғулланувчи; гуноҳкор. *Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадирлар, ичкилик ичгани учун қирқ дарра уриладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗОНТ *қ.* **зонтик**. *Саодатхон эндигина ёпган зонтини қайта очди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЗОНТИК [*голл.* zondek – қуёшдан ҳимоялаш воситаси] Қуёш ҳарорати ёки ёғингарчиликдан сақланиш учун тутиладиган, очилиб-ёпиладиган дастали чодир; шамсия. [*Салимбойвачча*] *Йўлчининг юзига урмоқ учун зонтикни кўтарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дадаси уни* [*Муқаддамни*] *четлаб ўтдию, уч қадамча нарига бориб, қўлидаги зонтигини очди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЗОО- [*юн.* zoon – ҳайвон, жонивор] Ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: ҳайвонларга, ҳайвонот оламига алоқадорликни билдиради.

ЗООЛОГ Зоология мутахассиси; ҳайвоншунос. *Чунончи, Навоий лирикасида кўп марта тилга олинадиган қорабағир қуши, зоолог олимларнинг аниқлашича, Қашқадарё воҳасида яшайди.* «ЎТА». *Зоологлар ўрмонда яшовчиларнинг шаҳарда пайдо бўлиши ҳақида ахборот берадилар.* Газетадан.

ЗООЛОГИЯ [зоо.. + *юн.* logos – сўз, тушунча; таълимот] Биологиянинг ҳайвонот оламини ўрганадиган соҳаси. *Зоология фани.* ▬ *Музейда геология ва география, зоология, ботаника бўлимлари мавжуд.* Газетадан. *Зоология дарсида ўқигани, ўқитувчи Олимов бошчилигида тажриба ўтказишгани-чи. Балиқлар ҳаёти, тузилиши, кўпайиши – ҳаммаси Қудратга маълум.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЗООНИМ [зоо.. +*юн.* onyma – ном, исм] Ҳайвон номлари билан боғлиқ сўзлар. *Атоқли отлардан топоним ва антропонимлар, астроним ва зоонимлар бўйича фактик материаллар тўпланди.* «ЎТА».

ЗООПАРК [зоо.. + *ингл.* park – боғ, дарахтзор] *қ.* **ҳайвонот боғи** *қ.* **боғ 1**. *Дўкондан бир пачка сигарета олиб, уйидан унча узоқ бўлмаган зоопаркка йўл олди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЗООТЕ́ХНИК Зоотехника мутахассиси. *Қайси бир кеч район марказида колхоз зоотехникларининг йиғилиши бўлиб, илғорлар мақталган, қолоқ зоотехниклар танқид қилинган эди.* С. Абдулла, Соялар. *Укаси Камол эса Тошкентда олий мактабда ўқирдию, бироқ ўтган йил у ҳам армияга олинди, кичик укаси Исмоил зоотехник эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЗООТЕХНИ́К Зоотехникага оид. *Зоотехник лаборатория.*

ЗООТЕХНИКА, зоотехния [зоо.. + *юн.* techne – маҳорат] Чорвачиликни ривожлантириш, чорва молларини асраш, парвариш қилиш масалалари билан шуғулланадиган фан соҳаси.

ЗОР [*ф.* زار – ғамгин, қайғули; йиғи, нола] **1** Ҳасратли йиғи, нола, афғон. *Чирқираб йиғлаётган ҳалиги боланинг зорига яна икки боланинг фарёди қўшилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кета бер, турмагин, саркарда, беклар, Қулоқ солинг мендай ночор зорига.* «Муродхон».

2 Муҳтож, интизор. *Ким ҳаққа ташнадир, ким меҳрга зор. Мен унга умримни этгумдир фидо.* А. Орипов, Йиллар армони. *-Мен сизнинг даллоллигингизга зор эмасман! – Чарос кескин бурилиб юриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Бир парча нонга зор эдик, – деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Зор йиғламоқ Қаттиқ йиғи-сиғи қилмоқ, нола қилмоқ. *Зор йиғлаб, навосиз қолмагай дунё, Ўзи чора топмай, йиғлагай олам.* А.

Орипов, Алвидо, устоз. *Киприклари қайрилма Қизлар қолди зор йиғлаб.* «Шарқ юлдузи». **Зор қақшамоқ** Қийналмоқ, азоб чекмоқ. *-Жуда хунук иш бўлди-да.* [*Қизнинг*] *Онаси зор қақшаб қидириб юргандир.. — деди Қўшоқ ота.* С. Аҳмад, Чўл бургути. **Зор қолгур** *қарғ.* Қуриб кетгур, ўлгур, сабил қолгур. *-Шу зор қолгур тўн туфайли бизнинг оилаларимизда қанча кўнгилсиз ҳодисалар бўлди, — дейди хотин-қизлардан Сайёра Шамсиева.* Б. Халилов, Тоғора ташвиши. **Зорим бор, зўрим йўқ**. Илтимос қиламан, аммо мажбур қила олмайман. *-Зорим бор, зўрим йўқ, — деди бобо арава ғилдирагига яқин чўнқайиб.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Онайи зор** *қ.* **она 1. Худонинг зорини қилмоқ** Ялиниб ёлвормоқ, ўтинчли илтимос қилмоқ. *Ота бечора: -Бу ниятингдан қайтгин, оппоқ қизим. Эринг қобил йигит. Мени отам десанг, асти хафа қилма уни. Қўшганинг била қўша қаригин! — деб худонинг зорини қилибди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЗОРА [*ф.* زاره — ғамгин; йиғи, нола; бахтсиз] *юкл.* Қани энди, кошки эди. *Зора амирзодалар ярашишса, жуда маъқул иш бўларди-да* [*деди Меъмор*]. Мирмуҳсин, Меъмор. *Пиёда юрай, зора дилим ёзилса, деган ўй билан йўлка бўйлаб секин одимлади.* М. Хайруллаев. *-Кел, жигарим, тезроқ кел. Зора бирон хушхабар келтирган бўлсанг, — деди Ойнагул Фарҳодга.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ЗОРА-МОРА *с. т. қ.* **зора**. *[Гулнора:] Айтганингиз келсин, онажон. Акамдан дарак сўрайин, зора-мора бирон дарак топсам.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЗОРАКИ *қ.* **зора.** *Менинг йўқлаб келганимни кўрса, далда бўладиган бирон сўз айтсам, зораки дармон бўлса, деб кутдим.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ЗОР-ЗОР **Зор** с. куч. шакли. *Етимликдан мен йиғлайман зор-зор.* «Гўрўғли».

ЗОРИЛЛАМОҚ *с. т.* Қаттиқ илтимос қилмоқ; куйиб-пишиб гапирмоқ. *-Шу хонадон сеники, қадамингни узиб кетмагин, — деб зориллаб қолди* [*Рисолат буви*]. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Йўқ, ўргилай, буни қизларга олиб бораман, улар зориллаб сўрашган эди.* Ойдин, Гулсанам.

ЗОР-ИНТИЗОР *қ.* **зор**. *Ҳар тонгда қуёшга зор-интизорман, Мен пахтакорман.* А. Мухтор. *[Хосият:] Шўринг қурғур чол бир бурда нонга зор-интизор бўлиб ўлди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЗОР-МУШТОҚ *қ.* **зор-интизор.** *Кўрарга бениҳоят зор-муштоқ ўлганим айтинг, Агар бўлса иши ҳам ҳаддин имкон, бир келиб кетсин.* М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

ЗОРИҚМОҚ 1 Зор бўлмоқ, бирор нарсага муҳтож бўлмоқ. *Пулга зориқмоқ.* ■ *Зориққанимиз йўқ, болам. Беш-ўн танга орттириб ҳам қўйдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Уларнинг интизор кўзлари фронт йўлида, қўллари меҳнатда, фронтни зориқтирмаслик, душманни тезроқ яксон қилиш учун тинимсиз ишлар эдилар.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 Сабрсизлик билан кутмоқ, интизор бўлмоқ. *Ота-она фарзанди кўтариб келадиган нарсани эмас, ўзини кутади, соғ-саломат кўришга зориқиб, кўзлари кўчада бўлади.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Биров нон, биров олма, анор, биров писта, бодом тўла баркаш тутиб, қаҳрамон фарзандларини зориқиб кутади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Отаси кун ботиб, қоронги тушишини зориқиб кутди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЗОРЛАНМОҚ Бирор кимса, нарса ёки ҳолатдан нолимоқ, шикоят қилмоқ, ҳасрат қилмоқ. *Хотин киши паранжи ичида йиғлаб, қақшаб туриб зорланди: -Ҳокимтўра ҳақиқат қилсин. Боламни чақириб, ўзи сўрасин!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У* [*Унсин*] *билан сўзлашганда, тирикчиликка оид ҳеч нимадан зорланмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Ғулом ака*] *Бировдан нолимайди, бировдан зорланмайди ҳам.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Зорланишдан, ични ейишдан бошқа ҳеч нима қўлидан келмагач, нима қилсин?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗОРЛИК 1 Бирор нарсага муҳтожлик, эҳтиёж сезишлик. *Бахт, иқбол, фаровонлик орзулари кўнгилда тўла, аммо бу дамда бир парча чапатига зорлик қандай мусибат.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Қийинчилик, азоб-уқубат. *Барча шодлик сенга бўлсин. Бор ситам, зорлик менга.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЗОРМАНДА, зормонда [*ф.* زارمانده — зор қолган] *қарғ.* Зор қолгур, қуриб кетгур, сабил қолгур. *Аёллар кулишди. Хола қўлидаги сочиқ билан оғзини бекитиб, унга муғамбиро-*

на қаради: -Бу ерда у зормондани ичадиганлар йўқ-ку, болам? С. Нуров, Нарвон. *Вой белим, бу зормонда тоғора ўлгур белимни нақ узиб юборди.* [*деди Каромат хола*]. Ш. Саъдулла, Икки билагузук. [*Бахтиёрнинг*] *Ҳароратини ўлчаб кўрай, деб термометрни қидирсам, у зорманда ҳам топила қолмайди,— деди Камол.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЗОТ [*а.* ذات – бирор нарса эгаси; шахс; асл, моҳият] **1** Бир аждоддан тарқалган насл, авлод; насл-насаб. *Ҳа, Гулнорнинг таги паст-да. Отаси ким? Онаси ким? Малай, чўри.. Зотига тортади, зоти паст.* Ойбек, Танланган асарлар. *Балки замонлар ўтиб, даврлар шамолида Совурилар қанча зот, яна қанча буюклик.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Мен сўрайман миллатингни, зотингни, Яширмайин айтавергин дардингни.* «Ҳасанхон». *Шайх Исмоил оғзига келганини қайтармай қарғар, Санобарни зоти пастдан олиб, зоти пастга солар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Бирор фазилати, хислати билан ажралиб турувчи, ҳурматли киши. *Улуғ зот.* ▬ *Бу — Қорабулоқ қишлоғи ва атрофига қозилик қилувчи маълум зот эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эл-улус сиздек зотларга ғоят муҳтождир [деди Навоий].* Ойбек, Навоий.

Зоти олий Олий зот, улуғ инсон.

3 Умуман, ҳар қандай шахс, одам. *[Мажлисда] Юқорида исмлари ўтган зотлардан бошқа Ҳомид, Раҳмат ҳам Ҳасанали бор эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бердибойнинг зое кетган ўн беш йиллик меҳнатини ҳимоя қиладиган бир зот кўринмади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 Бирор табақа, ижтимоий гуруҳ кишиси, аҳли. *Олим зоти. Ёзувчи зоти.* ▬ *Карвонбоши Акромбойни ўз олдига чақириб: -Бугун, — деди, — харидор зотининг саройга киришига йўл берманг..* С. Айний, Қуллар.

5 Жинс, нав. *Қорамол зоти.*

Эр(как) зоти *с. т.* Эркаклар. *Доя келгандан сўнг, ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Аёл (***ёки* **хотин, қиз) зоти** *с. т.* Аёллар, хотинлар, қизлар; хотин-қизлар. *Аёл зотининг бошадоғи зарга ўралгани билан, ўзи ёмон бўлса, кимга кераги бор?* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Унга бир вадаванг: -Билмайман, асли қиз зоти билан гаплашган эмасман, — дебди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 *шв.* Улоқда бериладиган мукофот. *Улоқ ҳамон жойида ётганини кўрган баковул зотни оширди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЗОТАН [*а.* ذاتاً – табиатан, аслида] **1** Зоти, жинси, насли-насабига кўра; аслан. *Онам зотан хотин, ёрим ҳам хотин, синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош.* Ғ. Ғулом.

2 *крш. с.* Аслини олганда, аслида. *Зотан, у замонда фанни Навоийчалик тушунадиган одамнинг ўзи йўқ эди.* «Фан ва турмуш». *Зотан, у* [*Феруз*] *фалаж бўлса-да, хотираси ҳали равшан эди.* С. Сиёев, Аваз. *Зотан, ҳар нарсанинг, Ҳар кимнинг ўз худоси бор.* Р. Парфи, Кўзлар.

ЗОТДОР [*а.+ ф.* ذاتدار – яхши зотли, насл-насабли] Яхши зотга мансуб, наслдор. *Зотдор қўй.* ▬ *Қодиржон жўжабирдек жон эди, зотдор сигир билан бир яшар бузоққа ҳаваслaниб қаради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Бу ўша ўғирлатилган зотдор от эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ЗОТИЛЖАМ [*а.* ذاتالجنب – ўпканинг яллиғланиши] Ўпканинг яллиғланиши, ўпканинг юқумли касаллиги; пневмония. *Зотилжам бўлмоқ.* ▬ *Мамлакат грипни оёқда ўтказиб, зотилжамга чалинди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Ўша йиллари орттириб олган зотилжам уни оғир дардга чалинтириб йиқитди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Заргаров кеча шаҳардан жуда эзилиб қайтди-ю, яна ётиб қолди. Зотилжами такрорланиб, иккала ўпкаси ҳам яллиғланибди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЗОТЛИ *қ.* **зотдор**. *Молинг зотли бўлса, емишинг тотли бўлар.* Мақол. ▬ *Улар зотли қўчқорлар боқилаётган бостирмага киришди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тўғонбек ҳар кун хўжасининг зотли отларидан бирини миниб, Ҳиротда гашт қилиб юради.* Ойбек, Навоий.

ЗОТСИЗ 1 Зотининг, насл-насабининг тайини йўқ; безот.

2 Зоти паст, хашаки, наслсиз. *Зотсиз сигирлар.*

ЗОҒ [*ф.* زاغ – қарға] *қ.* **қарға**. *Ҳар зоғ, ҳар зоғда минг доғ.* Мақол. ▬ *Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан, Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.* Муқимий.

Зоғ учмайди *ёки* **ҳеч зоғ йўқ** Бирорта одам кўринмайди; ҳеч ким йўқ. *Ғуломжон шошиб қолди. Ҳовли бўм-бўш, зоғ учмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Савлат қилиб ўнгу сўлга қаради, Зоғ учмаган чўлга кетиб бора-*

ди. «Ширин билан Шакар». *Қудрат кўча айланиб келиб, уйига кирса, ҳеч зоғ йўқ.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Элдан бурун масжидларга кетаётган тақводорлардан бошқа кўчаларда ҳеч зоғ йўқ.* М. Осим, Ўтрор.

ЗОҒОРА Маккажўхори ёки оқ жўхори унидан ёпилган нон. *Зоғора нон билан тамадди қилиб, аёзли кечаларда ер ағдарган тракторчилар билан танишдик.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Битта зоғора кулчани тўртга бўлиб ейишди, нонушталари шу бўлди.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Чойхоначи қовурилган балиқ, зоғора нон, кумуш қумғонда чой келтирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Зоғора балиқ Чучук сувда яшайдиган балиқнинг бир тури. *Ўрта Осиёнинг дарё, кўл ҳамда сув омборларида энг кўп тарқалган балиқлардан бири зоғора балиқдир.* А. Осмонов, Сурхон балиқлари.

ЗОҲИД [*а.* زاهد – сабр-қаноатли, тақводор; тарки дунё қилган киши] **1** *дин.* Тарки дунё қилган диндор киши. -*Сиз ёшлар соддасиз-да.. зоҳидларни ҳамиша меҳроб, минбарда тасаввур қиласизлар, – деди муфти Мирзога.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Зоҳид (эркаклар исми).

ЗОҲИДЛИК Тарки дунёчилик; тақводорлик, диндорлик. -*Нега мен зоҳидлик қилиб, боёқиш жувоннинг узатилган қўлини ҳавода қолдирдим? – деди Камолиддин.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Энди у* [*Онахон*] *бу қора сояларнинг зоҳидлик ридоси ёпинган қабиҳ одамлар эканини аниқ билди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЗОҲИР [*а.* ظاهر – аниқ, равшан; ташқи кўриниш] *кт.* Сирт, сиртқи томон, ташқи кўриниш. *Зоҳирда эрки ўзида бўлиб кўринган заҳмат аҳлининг аслида оёқ-қўлларида оғир кишан, тил-жағлари боғлаб ташланган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *кесим. взф.* Очиқ-ойдин, равшан. *Зоҳир бўлмоқ. Зоҳир қилмоқ.* ▬ *[Зайнабнинг] Кўз ҳаракатида ҳам бир бесаранжомлик зоҳир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Зоҳир бўлмоқ Пайдо бўлмоқ, кўринмоқ. *Шайхнинг нигоҳида совуқ қаҳр, лабларида кинояли табассум зоҳир бўлди.* О. Ёқубов, Қўҳна дунё.

ЗОҲИРАН [*ф.* ظاهراً – ташқи кўринишдан] Сиртдан қараганда, ташқи кўринишидан. *Ҳазратов зоҳиран хурсанд бўлса ҳам, ичида хафа.* И. Раҳим, Тақдир. *Хўжабеков фикрини ўтказолмагач, зоҳиран осойишта кўринса-да, ичида Шербекни еб қўйгудек эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЗОҲИРИЙ Ташқаридаги, ташқи, сиртқи. *Шеърнинг зоҳирий маъноси изоҳга муҳтож эмас.* «ЎТА».

ЗУБДА [*а.* زبده – сариёғ; қаймоқ; моҳият] *кт.* Кишиларнинг энг яхшиси, энг сараси; обрўли шахс. *Шоҳимардон шайхларининг зубдаси мозор мутаваллиси Оқ эшон эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗУБР [*р.* зубр – шохли, шохдор] Ўрмонда яшайдиган ёввойи ҳўкиз; қувушшохлиларга мансуб сутэмизувчи ҳайвон. *Бизонлар зубрларга қараганда бирмунча кичикроқ бўлади.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

ЗУБТУРУМ *қ.* **баргизуб**. *Барги зубтурумдай титрашиб, лабига учуқлар тошиб, миршабларнинг каттаси отидан тушиб, қиличини яланғочлаб, момонинг қошига борди.* «Гулихиромон».

ЗУВ *тақл. с.* Тезлик билан амалга ошадиган ҳаракат, ҳолат ҳақида. *Аргимчоқ зув осмонга кўтарилади, зув қайтиб келади.* «Шарқ юлдузи».

ЗУВАЛА [*ф.* زواله – хамирдан қилинган соққа] **1** Битта нон ясаш ёки бир марта угра кесиш учун лойиқ қилиб юмалоқланган хамир. *У онаси келганга қадар супрадаги унни қоқиб-суқиб, бир зувала хамир қилиб қўйган эди.* Ойдин, Гулсанам. *Зиёдахон, зувала узар экан, ҳазиломуз жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Ойша опа*] *Супра ёзиб, зувала узди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

2 *кўчма* Асос, негиз; таркиб. *1952 йилда зуваласи Ўзбекистон тупроғидан ясалган биринчи пиёла тортиқ қилинган эди.* Газетадан. *Болаликда гап кўп. Бир гражданга Зувала бўлади ахир ҳар гўдак.* А. Мухтор, Шеърлар. *Товуқлар оғзидан юлиб олинган жонсиз уруғ мана бугун келажакдаги катта режаларга зувала бўляпти.* С. Маҳкамов, Бир жуфт дон.

Зуваласи бир жойдан (*ёки* **ердан) олинган** Ҳар жиҳатдан бир-бирига ўхшаш одамлар ҳақида. *Сизга гапириб, овоздан ажраш ҳеч нарса эмас. Ботиров билан сизнинг зувалангиз бир жойдан олинганга ўхшайди.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. **Зуваласи пишиқ** Жисмонан пишиқ-пухта, ёшига нисбатан бақувват, пишиқ одам. *Зуваласи пишиқ*

кичкинагина чол [*Тўғонбекни*] *ширин сўз билан қаршилади.* Ойбек, Навоий. *У* [*Жўрахон*] *ўн саккиз ёшли, зуваласи пишиқ, зеҳни ўткир йигит эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЗУВАЛАЛАМОҚ Зувала қилмоқ, зувала ясамоқ. *Ҳулкар хамирни зувалалаб бўлдию, ўчоқдаги чўг устига қозонни тўнтариб, қиздира бошлади.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЗУВ-ЗУВ *тақл. с.* Қушлар ёки ҳашаротларнинг қанот қоққанда чиқадиган товуши ҳақида. *Зув-зув боради, Томдан қарайди. Чўп-лой чўқийди, Сават тўқийди* (Қалдирғоч).

ЗУВИЛЛАМОҚ 1 «Зув-зув» овоз чиқармоқ. *Сой шов-шуви орасида асаларилар зувиллаб, чексиз майсазорлардаги ўт-ўланлар дастурхони томон ошиқишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Тез ҳаракат қилмоқ, жуда тез чопмоқ. [*Колхоз раиси Қулматга*:] *Олиш бошланди, де! Чоп, зувиллаб бориб, зувиллаб кел!* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ЗУВЛАМОҚ *қ.* **зумламоқ.** *Кун бўйи иккаламиз чиллак ўйнардик. Ҳалима бу ўйинда ўғил болалардан қолишмас, фақат мени аярди: зувлашга галим келганда, кечиб юборарди.* Ў. Ҳошимов, Бир томчи қон. *Югурардик худди зувлаган каби, Қўшилишиб телба, кўр оломонга.* Х. Даврон, Қақнус.

ЗУД [*ф.* زود – тез; шошилинч; эрта] *рвш. кт.* Тез, жуда тез; тезлик билан. -*Мана бул номани Урганчга зуд элтгайсен ва ани султон ҳазратларининг ўз илкларига бергайсен,* – *деди Темиртошга.* М. Осим, Ўтрор. *Эртаси куни подшонинг мардикор олиш ҳақидаги фармони шаҳар-қишлоқларга зуд тарқалди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗУДЛИК: **зудлик билан** Тезликда, бирпасда; шошилинч тарзда. *Зудлик билан уста чақирилди.* Н. Аминов, Суварак. *Хосият хола зудлик билан Серафима Семёновнага хат йўллади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Мударрисов зудлик билан ўз кадрини Москвага командировка қилишга мажбур бўлиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЗУККО [*а.* ذكاء – зеҳни ўткирлик; фаросат; ақл] Ақли, зеҳни ўткир; ақлли, доно. *Мирзамуҳаммад Расулович етти ўлчаб бир кесадиган, мулоҳазали, синчков, зукко одам эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Эшони судур мамнун бўлиб кетди: қандай зукко шогирди бор*! Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Мадҳ ўқишар сўзга моҳирлар. Шеър айтишар зукко шоирлар.* Э. Воҳидов, Нидо.

ЗУККОЛИК Донолик, ақллилик. -*Баракалла сизга!* – *деб юборди Умрзоқ ота, кўнглидаги гапни топган ошнасининг зукколигига тан бериб.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЗУЛ *фольк. айн.* **жул.** *Айил-пуштасини ешди бедовнинг, Шипириб устидан олди зулини.* «Хушкелди».

ЗУЛЛИСОНАЙН [*а.* ذواللّسانين – икки тил соҳиби] Икки тилни билувчи, ўрганган киши; икки тилда ёза оладиган шоир ёки ёзувчи. *Кўп ўтмай, ўз замондошлари орасида талантли зуллисонайн шоир, созанда ва ҳофиз сифатида шуҳрат қозонади.* «ЎТА».

ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК Икки тилда сўзлай ва ёза билишлик. *Зуллисонайнлик анъанасининг шаклланиши ва давом этишида муҳим роль ўйнаган омиллардан яна бири* – *бу географик омил деб айтиш мумкин.* «ЎТА».

ЗУЛМ [*а.* ظلم – жабр-ситам; адолатсизлик] **1** Ҳукмдор ва ҳокимларнинг фуқарога, золимларнинг мазлумларга кўрсатган жабри; шафқатсизлик, истибдод. *Зулм зиндондан ёмон.* Мақол. ▬ *Аҳоли ғалаёнга келди, қўрққанидан эмас, зулмга, зўрликка, ҳақиқатсизликка чидамаганидан ғалаёнга келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳамма ўз билганича қичқиради, зулмдан, жабрдан шикоят қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, жабр-ситам, эзиш; адолатсизлик. *Кундошлик зулми. Зулм қилмоқ (ўтказмоқ)* ▬ *Биров зулм қилса, биров раҳм қиларкан; биров ош берса, биров нон бераркан.* Ойдин, Қандолатнинг ҳикояси. *Маъшуқ аҳлига ярашмас доимо зулму жафо.* Ҳамза. *Одамларга ўтказган зулми учун Олахўжа халқ олдида жавоб бермай ҳеч қаёққа кетмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Зулм кўрмоқ (*ёки* **тортмоқ, чекмоқ**) Ноҳақ жабрланмоқ, эзилмоқ. *Аёллар ўтмишда ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жаҳолатда қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЗУЛМАТ [*а.* ظلمت – қоронғилик] *кт.* **1** Зим-зиё, тим қоронғилик. *Зулматни кўрмаган ёруғликни қадрламас.* Мақол. ▬ *Ҳаммаёқни зулмат қоплаган, кенг даланинг ақалли бирор бурчида милт этган нур кўринмайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Зулмат ичида қол-*

ган Анвар, орқа-ўнгини ажрата олмай, бўйра устини чоғлаб, бир-икки қадам юриб келди ва икки қўли билан тиззасини қучоқлаб, чўнқайди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Алимардон тонг қоронғисида зулмат зиналардан тушиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма* Нодонлик, қолоқлик; жаҳолат. *Уйғонди кенг жаҳонда Зулматда ётган эллар.* И. Муслим, Сенинг севгинг. *Зулмат чилпарчин бўлиб, Мамлакатда тонг отди.* «Қўшиқлар».

ЗУЛМКОР [*а.+ф.* ظلمکار – зулм қилувчи] Жабр-зулм қилувчи, азоб берувчи, жафокор. *Иншоолло, ҳақиқат душманларини, зулмкорларни мағлуб қилурсиз.* Ойбек, Навоий. *Меъмор йигит жаҳонни титратган зулмкор шоҳнинг хотинига ошиқ бўлиб қолган экан.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ЗУЛОЛ [*ф.* زلال – тоза, булоқ суви] *айн.* **зилол.** *Зулоли таъмини топмам Сира болу шакарларда, Ватан ёди эрур қалбимда Бўлсам мен сафарларда.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЗУЛУК [*ф.* زلوک – зулук] **1** Чучук сув ҳавзаларида яшовчи, йиртқич ёки паразит ҳолда кун кечирувчи ҳалқали чувалчанглар вакили. *Тиббиёт зулуги. Зулук қўймоқ.* ▬ *Зулук кичкина жонивор бўлиб, қонни сўриш учун хизмат қилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Сувдан чиққан зулукдай, Қошу кўзи пиликдай Келин пошшага салом.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма* Бировлар ҳисобига яшовчи, очкўз, текинхўр, шафқатсиз одам. *Хон – жаллод, қозикалон – ўргимчак, ясовулбошилар эса зулук эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *кўчма* Зулук каби қоп-қора. *Онаси унинг* [*Салтанатнинг*] *зулук қошларига, тўлишган дудоқларига, юзларига мамнун тикилиб ўтирди.* С. Нуров, Нарвон.

ЗУЛУКДАЙ, =дек 1 Зулук сингари. *Менга қанча азоб берган, шу деб қанча юртларда яланг оёқ, саргардон кезганман. Йигитлик кучимни зулукдек сўрган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бердақ Хоразмнинг қаерида бўлмасин, бойлар.. халқнинг қонини зулукдек сўраётганининг, зулм, зўрлик авжига чиққанининг гувоҳи бўлди.* «ЎТА».

2 *кўчма* Қоп-қора, тим қора. *Зулукдай от.* ▬ *Тошхон ерга қараган ҳолда, олдига тушиб турган узун ва зулукдай қора сочларини ўйнаб, аста гапирди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Қизнинг кўзи зулукдек отнинг ёлларини силаб, эркалаб турган қорача йигитда эди.* М. Қориев, Қиз узатиб борганда.

ЗУЛУМОТ [*а.* ظلمات – «зулмат» с. кўпл.] *қ.* **зулмат**. *Тўқайзорни бўғиб олди зулумот. Шарпасиз сўқмоқда танҳо сурдим от.* Миртемир, Бир варақ. *Кўчалар бўш, паст-баланд, Мудҳиш зулумот.* Ғайратий, Шоир.

ЗУЛФ [*ф.* زلف – жингалак соч; гажак] *кт.* **1** Аёлларнинг икки чаккасида, қулоқлари атрофида жингалак ҳолда осилиб тушган жамалаги. *Ғуломжон қизнинг чап қулоғини тўсиб турган жингалак зулфига тикилиб тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қора зулфим эшилгандир тол-тол, Келган ҳоким, бу сўзларга қулоқ сол.* «Ширин билан Шакар».

2 Умуман, қизларнинг сочи, кокили. *Унинг [қизнинг] қора зулфи пар ёстиқнинг турли томонига тартибсиз суратда тўзғиб.. кўзлари бир нуқтага тикилган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Наврўзда қизалоқлар толбаргдан кокил, бинафшадан исирға, қоқилардан зулф қилиб, чамбар тақадилар.* Газетадан.

ЗУЛФАК [*ф.* زلفک – кичик гажак] Зулф, гажак, жамалак. *Келин ой, келин дейишади, зулфагин шамоллар ечади.* «Фольклор».

ЗУЛФАКДОР [*ф.* زلفکدار – гажаги бор] *фольк.* Гажакдор, гажакли. *Зулфакдор қиз.* ▬ *Бу сўзларни айтма, Гулгун зулфакдор, Мен ҳам ўз юртимда даврон сураман.* «Ширин билан Шакар».

ЗУЛФИН [*ф.* زلفین – эшик ҳалқаси, занжири] Қулф осиш ёки эшикни беркитиш учун эшикка ва унинг кесакисига, икки табақали эшикда ҳар икки табақага ўрнатиладиган кичкина ҳалқасимон темир ва унга осилган занжир. *Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, ябтагининг енги зулфинга илиниб, тирсаккача йиртилди.* А. Қаҳҳор, Анор. *У* [*Мунаввар*] *эшикнинг зулфинини туширди-да, эрига йўл берди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Бир маҳал Назиранинг қўли эшик зулфинига тушди-ю, зарб билан ўзига тортди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЗУЛФИҚОР [*а.* ذوالفقار – Ҳазрат Али шамширининг номи; сўзма-сўз: умуртқаси бор, умуртқали] **1** Муҳаммад(сав)нинг Бадр жангида қўлга туширган икки учли шамшири; кейинчалик Ҳазрат Алига, сўнг

бошқа халифаларга ўтган. *Бошимга Ҳазрати Алининг муборак зулфиқорлари келганда ҳам, ҳаққу ҳақиқатдан юз ўгирмоқ одатим йўқ.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Ҳазрат Алининг дулдули ва зулфиқори олдида баланд тоғлар ҳам, қирғоғи кўз илғамас дарёлар ҳам тўсиқ бўлолмаган эмиш.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Умуман, кескир, ўткир (қилич ҳақида). *Четда ётар чувалган салла, Заррин қинли зулфиқор қилич.* М. Али, Боқий дунё.

3 Зулфиқор (эркаклар исми).

ЗУЛҚАЪДА [*а.* ذوالقعده] Қамария йил ҳисобида 30 кундан иборат ўн биринчи ойнинг арабча номи. *Ойлар шаъбон, зулқаъда деган номлар билан аталади.* «Фан ва турмуш».

ЗУЛҲИЖЖА [*а.* ذوالحجّه] Қамария йил ҳисобида 29 кундан иборат ўн иккинчи ойнинг арабча номи.

ЗУМ 1 Чиллак ўйинида: нафас олмай югуриб кетаётганда узлуксиз чиқариб бориладиган товуш (бу товушнинг узилиши нафас тугаганини, бинобарин, ўйинчи ўйиндан чиққанини билдиради).

2 Жуда қисқа фурсат, лаҳза, он. *Инобат гўё сўз тополмаган одамдай, бир зум жим қолди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. [*Дилфуза*] *Бир зум тўхтаб, кўз ёшларини артди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бир зумда *ёки* **зум ўтмай** Қисқа вақт ичида, бирор дақиқа ҳам ўтмай, тезда. *Гулнор ҳамма нарсани бир зумда тайёрлаб, дадасига кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Зум ўтмай* [*Алимардон*] *тағин кўзини очди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Бироқ зум ўтмай раиснинг яна кайфияти бузилди.* Т. Ҳамидов, Увол эмасми? *Зум ўтмай тўзон орасидан отилиб чиққан бир гуруҳ суворилар кўзга чалинди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

ЗУМИЛЛАТАР Ютқизган томон (ўйинчи)ни нафаси етган жойгача зумлаб югуртириладиган чиллак ўйини.

ЗУМЛАМОҚ Чиллак ўйинида: нафаси етганича тўхтовсиз «зум» деб югурмоқ. *Юз қадам жойга зумлаб боради.*

ЗУМРАД [*ф.* زمرّد < *юн.* smaragdos – сабзаранг тош] **1** Олий сифатли, оч яшил тусли қимматбаҳо тош. *Кўрдингми? Бу нима? Мана бу – дур, мана бу – марварид. Мана бу ёнган – гавҳар. Қолганлари – ҳар хил тошлар, ёқут, зумрад* [*деди Мирзакаримбой*]. Ойбек, Танланган асарлар. *Қозикалон сандиқларни очиб кўрсатди: баъзисида олмос, ёқут, ақиқ, зумрад ва марварид, баъзисида олтин ва кумушдан ясалган, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган идиш-оёқлар, баъзиларида зеб-зийнатлар тўла эди.* С. Айний, Дохунда.

2 *кўчма сфт.* Оч яшил, сабзаранг. *Молдавия далаларининг зумрад ранги бизнинг лалмикор буғдойзорларимизни эслатади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Воҳ, юрагим ўйнарди кумуш жилғаларнинг зумрад лабида.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Ариқ бўйида қалин ёш тол, ўртасида ёғоч сўри. Унинг тагидан шовуллаб оқиб турадиган зумрад сувдан доим бир хилда салқин шабада эсади.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Зумрад (хотин-қизлар исми).

ЗУМРАША *с. т.* Ҳар қандай ёмон, ножўя иш қўлидан келадиган бола; шумтака, тирранча, тирмизак. *-Ҳой жувонмарг, зумраша, тағин кўчагами? Бу ёққа кел, ўтинни туташтираб кет, тутай бериб, кўзимни кўр қилаёзди, – деди Шум болага онаси.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [*Алижон*] *Онасининг: «Ҳоой, деворни нуратма, зумраша!» деганига ҳам қулоқ солмай, қўшни боғига гурсса сакраб тушиб, ғойиб бўлди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ЗУННОР [*а.* زنّار – белбоғ, чилвир] **1** *тар.* Мусулмон давлати ҳудудида яшаб, бошқа динга эътиқод қилувчилар (яҳудий ва христианлар) мусулмон эмаслиги белгиси сифатида тақиб юрадиган, чармдан ясалган ёки маълум тусдаги жундан эшилган чизимча-белбоғ.

2 *с. т.* Христианлар бўйнига хоч (крест) осиб юрадиган занжир.

ЗУРРИЁТ [*а.* ذرّيّت – болалар, насл] Бир аждоддан тарқалган авлод; насл-насаб; зот. *Нима ейди дилбар отинг, Баён айла зурриётинг.* «Муродхон». *-Ҳой ака, сиз ҳам бундоқ ёрилсангиз-чи одам бўлиб, кимсиз, зот-зурриётингиз ким? – деди кўзи ожиз танкчи йигит.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бола, фарзанд. *Акром мироб дунёга келиб зурриётсиз ўтаётганидан ҳўл ўтиндек тутаб қўярди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *-У дилу жигаримнинг бир парчаси, орзуларимнинг ғунчаси, табиатнинг нозик ерларидан сўраб олган зурриётим, – деди Қамчи.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЗУҒУМ, зўғим Қаҳр-ғазаб; дўқ-пўписа, дағдаға; зулм. *Ҳусайн Муродбек юксак рутбани эгаллаб турса-да, бир қадар инсофли, раиятга кўпда зуғум қилавермасди.* С. Сиёев, Аваз. *Лутфинисанинг Қутбинисага ўша вақтда қилган зуғумлари ҳали ҳам унинг ёдидан чиққан эмас.* Мирмуҳсин, Жамила.

ЗУҲАЛ [*а.* زحل] (*З – катта*) *астр.* Қуёш системасидаги катта сайёралардан бири – Сатурннинг арабча номи.

ЗУҲД [*а.* زهد – диндорлик, тақводорлик] Дунёга бемайл, беҳавас бўлишлик, нафсини тийишлик; тақводорлик. *Аҳли наби одамзодни Зуҳд йўлига чорлади.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ. *Қўқондаги аҳли зуҳднинг дами ичига тушиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗУҲРА [*а.* زهره] (*З – катта*) **1** *астр.* Қуёш системасидаги катта планеталардан бири – Венеранинг арабча номи.

2 Зуҳра (хотин-қизлар исми).

ЗУҲУР [*а.* ظهور – пайдо бўлиш, кўриниш]: **зуҳур этмоқ** Акс этмоқ. *Шербекнинг юзида ачиниш зуҳур этди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЗЎЛДИР *қ.* **золдир**.

ЗЎР [*ф.* زور – куч, қудрат; уриниш; тазйиқ, зулм] **1** *от.* Куч-қувват, қудрат; таъсир. *Ишончим бор қувватима-зўрима, Осдираман сени тилла дорима.* «Зулфизар билан Авазхон». *[Санаев] Кесакдек қотиб қолган қўл-оёғини зўр билан қимирлатиб, эмаклай бошлади.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *-Уялганларидан менинг зўрим билан қиляптилар, – деди янга оғзини бекитиб.* С. Нуров, Нарвон. *Амаки бўлса, ўшанда пулнинг зўри билан ўғлини мардикорликдан қутқариб қолди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

2 Уриниш, ҳаракат. *Зўри беҳуда белни синдиради.* Мақол.

3 Кучли, шиддатли зарб; кучлилик. *-Ў-ў, – деди Элмурод бош чайқаб, – калтакнинг зўрини менгина ейманми десам, сен ҳам ер экансан, боёқиш.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Зўрлик, зўравонлик. *[Мансур жаҳл билан:] Хайр, майли, ихтиёринг. Зоримиз бор, зўримиз йўқ.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

Зўр бермоқ 1) астойдил ҳаракат, ғайрат қилмоқ; куч етганча уринмоқ. *Мусобақаларга зўр бериб тайёрланмоқ.* ▬ *Сидиқжон.. шу қадар зўр бериб ишлар эдики, битта одамнинг қўлидан шунча иш келишига баъзан ўзи ҳайрон қолар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мўмин қийшиқ зўр бериб кетмон чопмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) бутун диққат-эътиборни бир нарсага қаратмоқ. *Айрим хўжаликлар раҳбарлари техникадан қўрқадилар, ундан айб қидириб, қўл кучига зўр берадилар.* Газетадан. *-Чўлда одам етишмайди. Машинага зўр бераверсин, – деди Шерали Асалхонга.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан; 3) бирор иш-ҳаракатни ҳадеб такрорлайвермоқ, қайта-қайта қилмоқ. *Саодатхон онасини зўр бериб ўпар, Қиммат холанинг юзига юзини қўйиб, бағрига босар эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

5 *сфт.* Катта жисмоний кучга эга бўлган, бақувват, забардаст. *Зўр йигит. Зўр от.* ▬ *-Одамнинг қўлидан келмайдиган ҳеч бир иш йўқ, – деди.. Саодатхон, – одам ҳамма нарсадан зўр.* С. Зуннунова, Янги директор. *Қўрқоқ бола зўр йигитга дўқ урганда, хаёлингга не келади, биласанми?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Унинг [Ҳусайн Бойқаронинг] зўр, ҳайбатли оти қирғин ичига ёриб кирди.* Ойбек, Навоий. *Тоға ҳақиқатан ҳам зўр полвон ўтган экан.* «Шарқ юлдузи».

6 Иқтисодий жиҳатдан бақувват, қудратли; катта иқтисодий кучга эга бўлган. *-Шунчалик зўр харидорлари турган бир замонда бу вазифанинг менга келиб тўхтаганига ҳануз ақлим бовар қилмайдир, – деди Анвар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

7 *сфт.* Катта, улкан, буюк; кучли. *Зўр тоғ. Зўр ишонч. Зўр ирода.* ▬ *Олимжондан зўр-зўр умидлар кутган муаллим ҳазратлари Аҳмаджон билан иккисини ўз ҳужраларига чақирди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

8 Кучли, шиддатли; кескин. *Зўр шамол. Зўр зилзила.*

9 Оғир, қаттиқ, изтиробли. *Зўр оғриқ. Зўр қайғу.* ▬ *Бу зўр меҳнат Ойқиз юрагида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил туйғу яратди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳамманинг юзидан, ҳаракатидан зўр бир мусибат акс этар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

10 Мазмун жиҳатдан пишиқ-пухта, қизиқарли; сифат, маза жиҳатдан афзал, яхши. *Зўр китоб. Зўр спектакль. Зўр олма. Зўр палов.*

11 Катта маҳоратга, тажрибага эга бўлган; ўз иши, касбининг устаси бўлган, моҳир, кучли; забардаст. *Зўр олим. Зўр шоир.* ▬ *Тошкентда зўр олимлар кўп.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Қишлоғимизда бир бобой бўларди. Зўр табиб эди, — деди Мажид.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Уста Бобохон деган зўр темирчи бўларди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Зўр экансиз-ку, тағин гапиришни билмайман дейсиз! [деди Гавҳар].* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Зўр келмоқ Қийин бўлмоқ, оғирлик тушмоқ, оғир кўчмоқ. *Буларни билмасак, ҳар қайсисини ўзига лойиқ, ўзига муносиб жойга қўя олмаймиз. Унда ўзимизга зўр келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Зўр келса** Бошқа илож(и) бўлмаса, жуда бўлмаганда; нари борса. *Зўр келса, хўжайин берадиган тўққиз танга ҳақини бермай қўя қоларда.* С. Аҳмад, Оқпадар.

ЗЎРАБОР *фольк.* Зўравон. *Бир мамлакат — элда ўзим зўрабор, Ҳеч маҳал бўлмайсан менга баробар.* «Ёдгор». *Атрофингда Темур шоҳдир зўрабор, Рустамдайин унинг зўрабори бор.* «Муродхон».

ЗЎРАВОН [*ф.* زورآور — ботир, полвон; кучли] **1** Жисмонан бақувват, баҳодир, ботир, паҳлавон. *Ҳар бири мингга тенглашадиган зўравон эди.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Золим, зулм ўтказувчи ҳукмдор. *Агар у* [*Бобур*] *Самарқанддан воз кечса, нариги зўравонлар пойтахтни олиши, кейин Андижонга бостириб келиши муқаррар экани унга ҳозир жуда аниқ сезилмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Умуман, ўзгаларга қонунсиз равишда куч ишлатувчи, зўрлик қилувчи шахс. *Йўлчи бир сакрашда зўравоннинг олдига борди, тўппонча тутган қўлини маҳкам сиқиб, орқага қайирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хўш, зўравон сизми ё бу бечора, бекас, бенаво шоирми?* [*деди Завқий*]. К. Яшин, Ҳамза.

ЗЎРАВОНЛИК Зўравонларга хос хатти-ҳаракат; зўрлик, куч ишлатиш. *Зўравонлик қилмоқ.* ▬ *Авазхон, бу қандай зўравонлик! Ахир, тўра деган камбағални эзаверадими?* [*деди Пирнафас ака*]. Ж. Шарипов, Хоразм. *У ўз кучига жуда ишонар экан, зўравонлик билан яшаяпман, зўравонлик билан саёҳат ҳам қиламан, деб ўйлабди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тошкентда бир мўғул беки бечора косибнинг қизини зўравонлик билан тортиб олмоқчи бўлганда, мен чидаб туролмадим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЗЎРАВОР *шв.* Зўравон.

ЗЎРАЙМОҚ 1 Кучли бўлиб бормоқ, кучаймоқ. *Ёмғир зўрайди.* ▬ *Кеч киргани учун совуқ яна ҳам зўрайган, изғирин юзкўзларни аёвсиз чимчиларди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Гумбур-гумбур борган сари кўпая борди, зўрайиб кетди. Қишлоқни доддвойлар қоплаб олди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Болаларда ғайрат зўрайди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Оғирлашмоқ, ёмонлашмоқ. *Беморнинг дарди зўрайди.*

ЗЎРАКИ [*ф.* زورکی — хоҳишга қарши; мажбуран] Ўз хоҳишидан ташқари қилинган, ғайриихтиёрий, мажбурий; сохта, сунъий. *Зўраки илжайиш.* ▬ *Элликбоши зўраки қаҳ-қаҳ уриб кулди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. В*азира зўраки илжайиб қўйди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ЗЎР-БАЗЎР Зўрға, базўр, аранг. *-Мен йиғлаб юборишдан ўзимни зўр-базўр тутиб, мақоланинг охирини ўқидим, — деди Ҳалима.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Чўпон йигит оёқларини зўр-базўр судраб босар экан, энди нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлар эди.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Отақўзи юрагининг тагидан дафъатан вулқондай қайнаб келган ғазабни зўр-базўр тўхтатиб қолди.* О. Ёқубов, Диёнат.

ЗЎРИҚМОҚ 1 Бирор оғир иш, қаттиқ уриниш натижасида ниҳоятда қийналмоқ; оғир ҳолатдан кучанмоқ. *Сарпойчан, оёғига калиш кийиб олган чол йиғма каравотда ўтирганча силкиниб-силкиниб йўталар, зўриққанидан кўзларидан ёш чиқиб, бурушиқ юзи кўкариб кетган эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 *айн.* **зўраймоқ 2.** *Қизининг қийналаётганини кўрган сайин Басиранинг касали зўриқарди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЗЎРИҚИШ Таранглик, кучланганлик; безовталик [*Раънонинг*] *Икки кўзи қип-қизариб, қовоқлари олудек кўпчиган, юзида ҳам зўриқиш аломати бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Фазогирларнинг вужудида қаттиқ зўриқиш пайдо бўлди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ЗЎРЛАМОҚ 1 Зўрлик билан бирор ишга ундамоқ, мажбур қилмоқ; хоҳишдан таш-

қари иш қилдирмоқ. *Беморга зўрлаб дори ичирмоқ.* ▬ *Уста Олим ошга сабзи босиш билан овора эди: -Мен сизни зўрламайман, лекин йўл устида қорнингиз очиб қолса, ўзингиздан ўпкаланг.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Матпано*] *Ўзини ҳар қанча зўрлагани билан бугун бир четда туриб, ёлғиз ўзи ғазал айтолмади.* С. Сиёев, Аваз. *Раҳима опа уни* [*қудасини*] *зўрлаб қўлтиғидан олиб, ичкари хонага етаклади.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Бировнинг номусига тегмоқ; тажовуз қилмоқ. *Ёш бир йигит онаси тенги аёлни зўрламоқчи бўляпти.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қотиллик ва ўғирлик қилиш 9 процент, зўрлаш 5 процент кўпайган.* Газетадан.

ЗЎРЛИК 1 Жисмоний бақувватлик; кучлилик; улканлик; шиддатлилик. *Аскарнинг зўрлиги. Ақлнинг зўрлиги. Шамолнинг зўрлиги.*

2 Зўравонлик, адолатсизлик. *-Бу нима зўрлик, бек? — Мавлон ака ғазабдан титраб сўради.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бу қандай замон, бу адолатсизликка, бу ҳукм сураётган ёмонликларга, бу зўрлик, зуғум, ҳақорат, инсоннинг бунчалик оёғости бўлишига қандай чидаш мумкин?!* [*деди Ибни Ямин*]. К. Яшин, Ҳамза. *Аҳоли ғалаёнга келди, қўрққанидан эмас, зулмга, зўрликка, ҳақиқатсизликка чидамаганидан ғалаёнга келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Зўрлик қилмоқ 1) зўравонлик қилмоқ, куч ишлатмоқ; 2) кучлилик қилмоқ, таъсир кучи юқори бўлмоқ; қийин ҳазм бўлмоқ. *Паловдан тўғри фойдалана билиш керак. Қазили палов ёз ойларида зўрлик қилади.* С. Аҳмад, Сайланма. *Қаймоқ зўрлик қилиб, ўлгудай чанқатди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЗЎРМА-ЗЎРАКИ *с. т.* Хоҳишдан ташқари, зўраки, мажбурий. *Саидғози зўрма-зўраки кулди.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Комилжоннинг*] *Юзида зўрма-зўраки, ғалати бир ифода пайдо бўлди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЗЎРҒА Зўр-базўр, бир амаллаб, аранг. *Болаларнинг орасидан зўрға қочиб чиқдим* [*деди Саид*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Замбилларда ётган ярадорлар зўрға нафас олишяпти.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Мели полвоннинг лаблари зўрға пичирлади: «Сув.. сув».* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЗЎРҒАТДАН *с. т. қ.* **зўрға.** *Зўрғатдан судралар дуч келган ёққа, Уринмас ҳаттоки тезроқ учмоққа.* «Муштум».

ЗЎҒАТА, зўғота 1 Кетмон, теша ёки болтанинг соп ўрнатиладиган тешиги. *Рўзимат кетмонни зўғотасигача ботириб урди-ю, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Оббо йигитлар-эй, чопиққа кетмон ишлатмаймиз, дейишди-ю зимдан зўғотасигача ботириб, тупроқни элак-элак қилишибди.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

2 Маккажўхорининг донсиз ўзаги; сўта. *-Ҳа.. дони — дон, зўғатаси — чорвага ем-хашак, — деб яна гапида давом этди раис.* «Муштум».



ИБИ *шв. унд. с.* Ажабланиш, ҳайронлик каби ҳис-туйғуни билдиради; вой, ие. *Суҳбатдошим бу гапларни.. эшитгач, унинг юзида бирдан қувонч нури пайдо бўлиб, ҳаяжонланиб: -Иби! — деди.* С. Айний, Эсдаликлар. *У кўзларини қисиб, тўрхалталарга тикилди: -Иби, нима қиласиз бу намакобларни, хола?* С. Нуров, Нарвон.

ИБЛИС [*а.* إبليس — шайтон] **1** Одамларни йўлдан оздирувчи, ёмон йўлга бошловчи махлуқ; шайтон. *У, Саидғозининг.. юрагига иблис ин қурган туҳматчи, бутун бадани заҳар боғлаб кетган ғаразгўйлигини билмаган экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Иблисга хос хусусиятли одам. *Эъзозхон одам суратидаги иблис ҳикоясига қўрқув ичида қулоқ солиб ўтираркан, унинг* [*Зиёдилланинг*] *мақсадига тушуна олмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Иблисга нисбатловчи ҳақоратни билдиради. *Қутидор, қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди: -Виждонсиз, иблис! — деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИБЛИСЛАРЧА *айн.* **иблисона.**

ИБЛИСЛИК 1 Иблисга хос хусусиятли (иблис каби) одам эканлик. *Сенинг иблислигингни энди билдим.*

2 Иблисона хатти-ҳаракат, иблис иши; малъунлик, шайтонлик. [*Шавкатий*] *Иблислик қилиб, Мунисни йўлдан оздирган маккор.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ИБЛИСОНА *рвш.* Иблисларга, малъунларга хос; разилона, иблисларча. *Мен бу иблисона алдовга учиб, бу тўғрида на сенга ва на Нормуҳаммад қушбегига оғиз очмадим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИБН [*а.* إبن — ўғил] *эск. кт.* Эркак кишини ўз отасига нисбат этиб кўрсатувчи, «ўғли», «зода» маъноларини билдирувчи сўз, куня. *Ибн Сино, Ибн Батута, Ибн Аҳмад Мирзо.*

Хоқон ибн хоқон Хоқон ўғли хоқон (отабоболари хоқон ўтган киши ҳақида). *Менким, Марғилон ҳокими Ўтаббой қушбеги, ўз ҳукмимни хоқон ибн хоқон жаноби олий Худоёрхон исми шарифларидан эшиттираман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИБО [*а.* إباء — қаршилик, кўнмаслик; ғурур, мағрурлик, такаббурлик] **1** Андиша, шарм-ҳаё билан тортиниш, шундай ҳиссезги, уялиш. *Дилора кулиб, чарақлаб қайтиб келганда, Ғуломжон ҳар қандай ибога парво қилмай, бўласи ёнига борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кравцова бу «шалоқ» йигитнинг бунчалик ибо билан қилаётган ҳаракатидан кулгиси қистади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Ибо қилмоқ Ибо ҳисси билан тортинмоқ, уялмоқ; тийилмоқ. *Анвар меҳмонхонага кириб келувчи Султоналидан ҳам ибо қилмай.. сандал устига энгашди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Тоҳир чанг босган чориғи билан кўрпачага чиқишдан ибо қилди-ю, пойгаҳдаги шолча устига ўтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ўзини, нафсини тийиш, сабру қаноат.

3 Ибо (хотин-қизлар исми).

ИБОДАТ [*а.* عبادت — қуллуқ қилиш; сиғиниш, топиниш] *дин.* **1** Қуллуқ қилиш, сиғиниш, топиниш ва унинг амали; намоз.

Бутун кўҳна тарих давомида диний тарбия дейилганда, асосан ибодат тушунилган. Газетадан. *..мўмин-мусулмонларнинг рўза тутишдан мақсадини Оллоҳнинг бандалари.. ўз умматларини сабр-қаноатга, меҳр-оқибатга ундайдиган ибодат деб таърифлайдилар.* Газетадан. *Бутхона қўнғироғи кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун дарангларди..* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

Ибодат қилмоқ 1) сиғинмоқ; намоз ўқимоқ: 2) тоат-ибодат қилмоқ. [*Навоий:*] *Менингча, олтмиш йил қуруқ тоат, ибодат қилгандан кўра, бир соат одил бўлмоқ савоблироқдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий; 3) *кўчма* бирор нарсага ортиқ даражада берилиб кетмоқ, чўқинмоқ. *У пулга ибодат қиладиган одам.* ▬ *Агар одамлар сенга қиладиган ибодати ўрнига бир-бири учун меҳнат қилса, сенга қўйган кўнглини бир-бирига қўйса.. ер юзининг ўзи жаннат бўлади.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

2 Ибодат (хотин-қизлар исми).

ИБОДАТГОҲ Ибодат қилинадиган жой; ибодатхона.

ИБОДАТХОНА Ибодат қилинадиган жой ёки уй, бино (мачит, хонақоҳ ва ш. к.). *У* [*Очил*] *Байжунинг кўл бўйида, эски ибодатхона олдида айтган ашулаларини.. юм-юм йиғлаб эшитди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИБОЛИ Ибоси бор, андиша-ҳаё ҳиссига (хислатига) эга. ▬ *Қайси аёл сабр-қаноатли, ҳаёли, иболи экан, у ҳаётда бахту тахтини топа олади.* Газетадан.

ИБОРА [*а.* عباره – сўз, сўз бирикмаси] **1** Бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи, одатда, сўзларнинг турғун бирикмаси (сўз бирикмаси ёки гапга тенг жумла); таъбир. *Образли ибора.* ▬ *Черницов «вақтинча тантана», «вақтинча чекиниш», «қайта ҳужумга ўтиш» деган ибораларни қийналиб айтди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Улар Суқротнинг «Аввал ўзингни англа, шунда дунёни англайсан» деган машҳур иборасини ўзларига дастуриламал қилиб олишган.* «Сирли олам».

Турғун ибора Бевосита нутқ жараёнида ҳосил бўлмайдиган, тилда бир бутун ҳолда мавжуд бўлиб, шундайлигича нутққа киритиладиган сўз бирикмаси ёки гапга тенг жумла. **Фразеологик ибора** Турғун ибораларнинг кўчма маъноли, образли тури. *Оёғини қўлига олмоқ* (жуда тез югурмоқ), *аммамнинг бузоғи* (лалайган*), илоннинг ёғини ялаган* (ўта айёр) ва ш.к.

2 *айн.* **сўз 2.**

ИБОРАТ I [*а.* عبارت – баён, ифода] **1** Ташкил топган, таркиб топган; тузилган. *Сув водород ва кислороддан иборат. Беш кишидан иборат комиссия.* ▬ *..саксовул, қандим, черкез каби чўл ўсимликларидан иборат ўрмонзорлар барпо этилди.* Газетадан. *«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти эса Имом ал-Бухорий ҳадисларидан иборат «Солиҳ амаллар», «Эр ва аёл бурчи», «Илму маърифат нури» сингари мўъжаз китобларни чоп этди.* Газетадан.

2 Феъл-боғлама взф. *Асосий вазифа – мавжуд барча моддий ресурслардан фойдалана билишдан иборат.*

ИБОРАТ II [*а.* عبارت – сўзлар, иборалар] *эск.* Ибора; сўз, сўзлар. *Хат ўқилди завқ бирлан сар-басар, Бир иборат чиқди, мазмуни итоб.* Муқимий.

ИБОСИЗ Ибоси йўқ, андишани, тортинишни билмайдиган; бешарм, беҳаё. *Мунисхон гўё олдида гўдак ёки ўз эри ўтиргандай, ҳеч ибосиз устки кўйлагини еча бошлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ИБРАТ [*а.* عبرت – ўгит, панд-насиҳат; намуна, ўрнак] Намуна, ўрнак бўладиган иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. *Бола тарбиясида ота-онанинг ибрати, айниқса, бебаҳо.* Газетадан. *Мен кўрдим театрни.. Мен борганимда, бир илмсиз боланинг безори бўлиб кетганини кўрсатишди, холос. -Мактаб эмас, ибрат денг!* Ойбек, Танланган асарлар.

Ибрат олмоқ Ўрнак олмоқ, ўрганмоқ. *Янгиликни тарқатишда дадил бўлиш керак, халқ ўзимиздан ибрат олгани яхши.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ИБРАТЛИ Ибрат бўладиган, намуна, ўрнак олса арзийдиган. *Бизнинг ўзбек миллатига хос удумлар, одоб-ахлоқ меъёрлари бир-биридан гўзал ва ибратли.* Газетадан. *Барчага ўрнак бўлиб, ўтказдингиз ибратли умр.* Воқиф.

ИБРАТОМУЗ [*а.+ф.* عبرت‌آمیز – ибратли, ибратга эга бўлган] Ибрат бўларли, намуна, ўрнак бўларли. *Ибратомуз иш. Ибратомуз сиймо.* ▬ «*Мушук ва сичқон» ҳикояси бирам ажойибки, тўқ одамлар билан фақир одамларни мушук билан сичқонлар орқали ҳикоя қилади бу китобда. Мақсади жуда ибратомуз.* Ойбек, Болалик.

ИБРАТХОНА *эск.* Театр. *Ахир театрни бир вақтлар бекорга «ибратхона» деб аташмаган.* Газетадан.

ИБРИЙ [*а.* عبرى – яҳудий] *айн.* **иброний.**

ИБРОНИЙ [*а.* عبرانى] *эск.* **1** *айн.* **яҳудий.**

2 Яҳудийларга, уларнинг тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Иброний ёзуви.*

ИБТИДО [*а.* إبتداء – бошлаш; бошланғич нуқта] *кт.* Бирор нарса, иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг аввали, бошланиш даври; *зид.* **интиҳо.** *Воқеанинг ибтидоси ва интиҳоси.* ▬ *Фан эса ўз ибтидосиданоқ моддий дунёни тадқиқ этишга йўналтирилган бўлиб..* Газетадан. *Дуруст, у.. энди табиат сирларининг ибтидосини билади.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

ИБТИДОИЙ [*а.* إبتدائى – бошланғич, дастлабки; содда] *кт.* **1** Кишилик тарихининг энг қадимги, дастлабки даврига оид, синфий жамиятдан олдинги. *Зеро, ибтидоий жамиятдан тортиб ҳозирги жамият босқичига қадар бўлган даврлар одам меҳнати самараси..* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бошланғич, дастлабки. *Ибтидоий мактаб (эск.).* ▬ *Шу оддий бир киши(ни), ибтидоий мактабнинг муаллимини, Аббосхондан тортиб Муҳаммаджон домлагача иззат қиладилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Оддий, элементар. *Мулла Шоҳнинг адабиёт билан машғулоти жуда содда ва ибтидоий эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Меҳнатга иштиёқ бўлгани ҳолда унга муносабат жўн ва ибтидоий даражада турибди.* Газетадан.

ИВИМОҚ I Сув ёки бошқа суюқликни эмиб, шимиб ҳўл бўлмоқ, нам тортиб юмшамоқ; бўкмоқ. *Сувда ивиган нон. Кийимларим ёмғирда ивиб кетди.* ▬ *Султон товоқдаги қаймоқни шимиб, ивиб қолган нон бурдаларини лунжига тўлдириб чайнай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Сафаров, папирос найчасининг ивиган жойини тиши билан узиб, пуфлаб ташлади-да, ўйчан жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИВИМОҚ II **1** Қуюлиб қолмоқ, қуюқ тортмоқ, қуюқлашмоқ (қон ҳақида). *Қаердадир томса томчи қон, Сенинг юрагингда ивийди.* У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 Қатиққа айланмоқ (сут ҳақида); уйимоқ. *Оч уйда қатиқ ивимас.* Мақол.

3 Бузилиб, айниб қолмоқ, чириб тушмоқ. *Сут ивиб қолибди.*

ИВИНДИ Ўз-ўзидан ивиб қолган нарса (асосан сут ҳақида).

ИВИРСИЛАМОҚ *шв. қ.* **ивирсимоқ 1.** *Ҳой, мунча ивирсиладиларинг. Бўла қолсаларинг-чи!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ИВИРСИМОҚ 1 Майда-чуйда ишлар билан овора бўлмоқ, имиллаб ишламоқ, ғимиллаб юрмоқ. *Анзират хола.. ўз-ўзидан жавраб, қоронғида ивирсиб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Супурилмай-сидирилмай, йиғиштирилмай, бетартиб ҳолга келмоқ, кир, чанг ва ш. к. билан қопланмоқ. *Уй ивирсиб ётибди. Ивирсиган уйга меҳмон келар.* Мақол. ▬ *Машина похол-хашаклар сочилиб, ивирсиб ётган тегирмон эшиги олдидаги ялангликда доира ясаб тўхтади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ИВИРСИРАМОҚ *шв.* Ивирсимоқ. *Нима қилиб ивирсираб ўтирибман, тезроқ яранинг олдини олиш керак.* Ҳамза, Заҳарли ҳаёт.

ИВИРСИҚ 1 Супуриб-сидирилмаган, йиғиштирилмаган, бетартиб ҳолдаги. *Ивирсиқ уй.* ▬ *Шипи паст, деворлари юпқа, торгина дўконхона ҳар вақтдагидай ивирсиқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Саранжом-саришта бўлмаган, уй-рўзғорни бетартиб тутадиган; пала-партиш. *Ивирсиқ хотин.*

ИВИР-ШИВИР *тақл. с.* Шивирлашувчиларнинг ўзгаларга аниқ эшитилмайдиган (одатда, сирли) суҳбати ва шу суҳбат товуши; шивир-шивир. *Ивир-шивир гаплар.* ▬ *Тўхтасин ўртоқларини йиғди, уларга ивир-шивир билан бир нимани тушунтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўп вақтгача Офтоб ойимнинг ивир-шивири набира тўғрисида бўлиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИВИТМА Ивитиб тайёрланган.

Ивитма палов Олдиндан 1,5–2 соатча ивитилган гуручдан тайёрланган палов.

ИВИТМОҚ I **Ивимоқ** I фл. орт. н. *Ошга нўхатни ивитиб солмоқ.* ▬ *Улар.. тилхатларни чўнтакларидан чиқариб кўрсатдилар. Улардан бири деди: Биз бу тилхатларни ивитиб ичамизми?* С. Айний, Қуллар.

ИВИТМОҚ II **Ивимоқ** II фл. орт. н. *Қатиқ ивитмоқ.*

ИВИТҚИ *с. т.* Қатиқ ивитиш учун сутга солинадиган озгина қатиқ; томизғи, оқлиқ. *Сутга ивитқи солмоқ.*

ИВИШИҚ Ивишиб (увушиб) қолган. *Ёзар эмишмиз биз ҳам энди ивишиқ оёқларимизни.* Ғ. Ғулом.

ИВИШМОҚ *айн.* **увушмоқ.** *Маршрутнинг узунлигидан унинг охирига етгунча йўловчиларнинг оёғи ивишиб қолди.* «Муштум». *Тек ўтирган боланинг баданидан энди боягидек иссиқ тафт кўтарилмасди, аксинча, аъзойи бадани ивишиб борарди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ИВИҚ Қон ивишидан юзага келган ёпишқоқ, елимсимон масса.

ИВРИТ [*қад. сом тилида:* дарёнинг нариги томонидагилар тили] Сом-ҳом тиллари оиласининг сом тармоғига мансуб қадимги яҳудий тили; ҳозирда араб тили билан бирга Исроилнинг давлат тили.

ИГИ-ЖИГИ: иги-жигисигача Икир-чикиригача, майда-чуйдасигача. *Ҳаммасини мана биздан сўранг, шаҳримиздаги ҳар бир кимсанинг иги-жигисигача биламиз.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИГИР, ийир Кучаладошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик (атторлик, қандолат саноатларида ва тиббиётда ишлатилади). *Анғизли ерда от ўлмас, ийир бор ерда эр ўлмас.* Мақол. ▬ *Отга солди арпа билан ийирни.* «Алпомиш». *[Игир]Илдизпоясидан эфир мойи олинади.* «ЎзМЭ».

ИГНА 1 Бир томони найзасимон, иккинчи томони тешик бўлиб, тешигидан ип ўтказиб, нарса тикишга мўлжалланган ингичка металл асбоб. *Машина игна. Тепчик игна. Қавиқ игна. Игнага ип ўтказмоқ.*

2 Турли асбобларнинг игнасимон қисми. *Патефон игнаси. Примус игнаси.*

3 *тиб.* Тиббий техникада: ингичка сим ёки учи ўткир найча кўринишидаги санчилувчи ёки санчилувчи-кесувчи асбобларнинг умумий номи. *1982 йил сентябр ойининг охирларида игна билан даволовчи олим ва шифокорларнинг бутуниттифоқ анжумани бўлиб ўтди.* «Фан ва турмуш».

4 Баъзи ўсимлик ва жониворларнинг игнасимон аъзоси, найзаси, тикани. *Дарахт игнаси. Кирпи игнаси.*

Игна билан қудуқ қазимоқ Қийин, майда, машаққатли ва узоқ муддатли ишни қунт, бардош, матонат билан бажармоқ. *Илм (олиш) — игна билан қудуқ қазиш билан баравар.* **Игна санчмоқ** Оғир ботадиган гап қотмоқ, қаттиқ тегадиган гап гапирмоқ. **Игна тешигидан ўтадиган** Чаққон, абжир. *Разведкага игна тешигидан ўтадиган эпчил.. кишилар керак.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Игна устида ўтирмоқ** Жуда бетоқат, безовта ва азобда бўлмоқ. *У [Одилжон] игна устида ўтиргандай, жуда бетоқат эди, дамбадам томоғини қириб йўталиб, соатига қарарди.* Р. Раҳмонов, Қўшнилар. **Игнадай нарсани туядай қилмоқ** Кичик нарсани катта қилиб кўрсатмоқ, муболаға қилмоқ, орттириб, бўрттириб юбормоқ. *Қўзибойнинг.. игнадай нарсани туядай қилиб гапириш одати бор.* Ҳ. Назир, Кўкорол чироқлари. **Игнадек санчилмоқ** Қаттиқ ботмоқ (гап ҳақида). *Бекмуродга чолнинг деганлари гўё игнадек санчилди.* И. Ўктамов, Изза. **Игнанинг учидай** Жуда кичик; зиғирча, жичча. *-Ҳеҳе-ҳе, — элликбоши кулиб, кўзларини артди, — игнанинг учидай ёлғони йўқ, қулинг бўлай, бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бироқ менинг гуноҳим игнанинг учидай бўлса, сизларнинг айбингиз туядай.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ИГНАБАРГ Баъзи бир доим яшил дарахтларнинг, мас., қарағайнинг игна шаклидаги барги.

ИГНАБАРГЛИЛАР Игнасимон баргли, яланғоч (очиқ) уруғли ўсимликлар (мас., қарағай, қора қарағай, оқ қарағай ва ш. к.).

ИГНАТЕРАПИЯ Гавда (тана) юзасининг қатъий муайян нуқталарига қадалган игналар ёрдамида кучи, табиати ва муддати турлича бўлган таъсирлашлар орқали организм функцияларига таъсир кўрсатишдан иборат даволаш усули.

ИГНАЧИ *шв.* Ниначи. *Унинг атрофидаги гулзорда ранг-баранг капалаклар, игначилар қанот қоқар, асаларилар ғўнғиллар.. эди.* А. Қаҳҳор, Картина.

ИГРЕК 1 Лотин алифбосида охирги ҳарфдан олдинги — «Y» ҳарфининг номи.

2 *мат.* Шу ҳарф билан ифодаланган номаълум (қидирилаётган) миқдор.

ИГУАНА [*исп.* iguana < *кариб тилларидан*] Асосан дарахт шохларида яшовчи узун думли калтакесаклар оиласининг умумий номи; Шимолий ва Жанубий Америкада, Мадагаскар оролида тарқалган.

ИД *қ.* **ийд.** *..Шу чоққача қаерда буқиниб ётган бўлса, ётгандир, илло ид кунлари албатта уйларига келурлар..* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ИДБОР [*а.* إدبار – чекиниш; (ишнинг) орқага кетиши] *эск.* Бахтсизлик, (иш) юришмаслик. *Масти иқбол ўлма-ю, идбор била оғритма бош, Тотмағил бу бодани, зинҳор махмур ўлмағил.* «Ақл ақлдан қувват олади».

ИДДА [*а.* عدّه – бир қанча; қанчадир сон, кун] *дин.* Эрдан ажраган ёки эри ўлган хотинга ҳомиладорлиги аниқлангунча шариат бўйича эрга тегиш ман қилинган тўрт ою ўн кунгача бўлган муддат. *Менинг бу хатимни, албатта, шариат пешволари шаръий ҳисоблаб, иддангиз битиши билан, сизга бошқа эр қилишга ихтиёр берсалар керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эрга тегиш нияти бўлса, мазкур идда муддати (тўрт ою ўн кун) ўтгандан кейин зийнатланиши мумкин.* Газетадан.

Идда тутмоқ (*ёки* **сақламоқ**) Идда амалини бажармоқ, иддага (идда муддатига) риоя қилмоқ. *Санам ҳали ёш, ўн гулидан бир гули очилмаган, бундай жувон учун, китобларда ҳам айтилган, олти ойдан ортиқ идда тутиш ортиқча экан.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ИДДАО [*а.* إدّعاء – муддао, даъво, талаб; қаллоблик] **1** Ноўрин ёки ноҳақ талаб, даъво. *Демак, «ер оз, аҳоли кўп» деган иддао билан ҳаётий зарур масаладан қоча олмаймиз.* Газетадан.

2 Ўзи учун муносиб бўлмаган, ортиқча даъво. *Унинг иддаоси баланд-ку!*

Иддао қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Бирор талабни қўймоқ; ортиқча даъво қилмоқ. *Сиз фронтда юрганда, бошқага кўнгил қўйсам.. сизни бу ерга чақиришга, бирор иддао қилишга ҳақ-ҳуқуқим қолмасди..* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Амалин пеш қилиб, ҳар кимга ҳар хил иддао этган Баланд тумшуқ, бўйин ғоз, бадҳаволарни кўролмасман.* «Муштум».

ИДЕАЛ [*фр.* ideal < *юн.* idea – ғоя, тушунча, тасаввур; образ, тимсол] **1** *от* Жамиятнинг, шахснинг энг олий мақсади, энг юксак орзу ва тилак. *Идеал – жамиятнинг юксак ва олижаноб мақсади, келажакда кўзланган ғояси.* Газетадан. *Ижтимоий идеал мисоли маёқ бўлиб, жамият қаёққа ва қандай мақсадда қадам отишида ғоявий-мафкуравий ва маънавий-руҳий йўл кўрсатиб туриши мумкин.* Газетадан.

2 *от* Ҳар жиҳатдан баркамол, мукаммал, хаёлан орзу қилинадиган, лекин ҳали ҳаётда мавжуд бўлмаган нарса, ҳодиса. *Унинг идеали – ёқтирган қизини ўз таъсирига олиб, ўз қадрини ерга урмай севилмоқ эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 *сфт.* Олижаноб, намуна бўладиган, орзу-мақсадга мос, мувофиқ келувчи. *Идеал образ. Идеал шароит.* ▬ *Маънавият қаҳрамони бўлгани туфайли у халқнинг идеал қаҳрамонига айланди.* Газетадан.

ИДЕАЛИЗМ [*фр.* idealizme < *юн.* idea] *флс.* Материализмга қарама-қарши ҳолда, руҳ, ғоя, онг борлиқнинг негизи, яъни бирламчи деб билувчи, материя, табиат эса иккиламчи, ҳосила деб тан олувчи фалсафий оқим ва таълимотларнинг умумлашма ифодаси.

ИДЕАЛИСТ 1 Идеализм тарафдори, идеалистик фалсафа издоши.

2 Ҳақиқатни идеаллаштирувчи, бўяб кўрсатувчи шахс; хаёлпараст.

ИДЕАЛИСТИК Идеализмга доир, идеализмга хос ёки унга асосланган. *Идеалистик фалсафа. Идеалистик дунёқараш. Тарихга идеалистик қараш.*

ИДЕАЛЛАШТИРМОҚ Бадиий ижодда бирор нарса, воқеа, ҳодиса ёки шахсни юқори кўтариб, бекаму кўст, яхши, бенуқсон қилиб кўрсатмоқ. *Ўтмишни идеаллаштирмоқ.*

ИДЕНТИФИКАЦИЯ [*лот.* identificare – айнанлаштирмоқ, тенглаштирмоқ] Криминалистикада объект ёки шахснинг умумий ва хусусий белгилари мажмуига қараб айнанлигини аниқлаш.

ИДЕОГРАММА [*юн.* idea – тушунча + gramma – ёзув] *тлш.* Тилнинг айрим товушларини эмас, балки тўлиқ тушунчаларни ифодалашга асосланган, шартли қабул қилинган ёзув белгилари (рақамлар, математик шакллар; шунингдек, иероглифик ёзув белгилари).

ИДЕОГРАФИК Идеографияга оид. *Идеографик ёзув.*

Идеографик луғат Сўзлар алифбо тартибида эмас, балки мавзуий (маъновий-мазмуний) тамойил бўйича жойлаштирилган луғат.

ИДЕОГРАФИЯ [*юн.* idea – тушунча + grapho – ёзаман] *тлш.* Идеограммага асосланган ёзув тизими.

ИДЕОЛОГ *қ.* **мафкурачи.**

ИДЕОЛОГИК *қ.* **мафкуравий.**

ИДЕОЛОГИЯ [*юн.* idea – тушунча + logos – таълимот] *қ.* **мафкура.** *Демократия ва ошкоралик тоталитар-буйруқбозлик тузуми давридаги якка идеологиянинг мутлақ ҳукмдорлигига, инсон ҳуқуқлари поймол этилиши ва сўз эркинлиги барбод бўлишига нисбатан олға қўйилган бир қадам эди.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

ИДЕЯ [*юн.* idea – тушунча, образ, тасаввур] **1** Объектив борлиқни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи тушунча, тасаввурлар йиғиндиси.

2 Бирор бадиий, илмий ёки сиёсий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр; ғоя. *Асарнинг идеяси. Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романининг идеяси.*

3 Ният, мақсад, фикр. *Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш идеяси.*

ИДЕЯВИЙ *қ.* **ғоявий**

ИДИОМА [*юн.* idioma – ўзига хослик, хусусият] *тлш.* Маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам ибора; фразеологизмларнинг бир тури. Мас., *томдан тараша тушгандай, оғзингга қараб гапир.*

ИДИОМАТИЗМ *айн.* **идиома.**

ИДИОМАТИК Идиомага, идиоматикага тааллуқли. *Идиоматик ибора. Тилнинг идиоматик бойлиги.*

ИДИОМАТИКА *тлш.* **1** Идиомалар ҳақидаги таълимот.

2 Бирор тилдаги идиомалар мажмуи.

ИДИШ I Нарса солиш (солиб қўйиш) учун ишлатиладиган уй-рўзғор ёки хўжалик буюми. *Дон идиш. Сув идиш. Тунука идиш. Чинни идиш.* ▬ *Унинг икки кўзи бир дўкондаги катта идишларга солинган қандларда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Полвон битта тухум, иккита хурмо, ярим мисқол седана, беш дона бўтакўз, бир қошиқ асални топиб, бир пиёла сув билан мис идишда қайнатишга буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

ИДИШ II [*нем.* yüdish – яҳудийларга оид, алоқадор] Ҳинд-европа тиллари оиласидаги герман тиллари гуруҳига мансуб, европалик яҳудийларнинг алоқа-аралашувида қўлланувчи тил.

ИДИШ-ОЁҚ *қ.* **идиш-товоқ.** *Маҳалла болалари эшикма-эшик юриб: «Барот келди, билдингизми, Идиш-оёқ ювдингизми?» ашуласини айтар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИДИШ-ТОВОҚ Овқат тайёрлаш, ейиш-ичиш учун керакли уй-рўзғор буюмлари. *Тўхта хола ҳовлида идиш-товоқ ювиб юрган экан, Олимжонни кўриб, юраги ёрилиб кетгудек бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ИДИШҚАЙТТИ *этн.* Қиз унаштиришда куёв томондан юборилган дастурхонга қайтарилган дастурхон ва уни кутиб олиш маросими.

ИДО [*эсперанто* ido – насл, авлод] Эсперанто асосида яратилган (1907) халқаро ёрдамчи сунъий тил.

ИДОРА [*а.* إدارة – бошқарув, маъмурият; муассаса] **1** Белгили тартибда бошқариб, йўлга солиб бориш; бошқариш *Идора усули.* ▬ *Отабек айтди: -Энди бизнинг Тошкент халқи қипчоқларнинг жабру зулми ва тадбир идораси остида ётиб, жуда тўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Идора этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) 1) бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ. *Давлатни идора қилмоқ. У катта бир ташкилотни идора қилиб турибди;* 2) бош бўлиб, белгили тартибда олиб бормоқ; амалга оширмоқ. *Ҳар бир мажлиснинг жонлантирувчи, идора қилувчи бир-икки қаҳрамони бор бўлганидек, бу қизлар мажлиси ҳам шундай қаҳрамонлардан холи эмас эди* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) белгили бир тартибга бўйсундирмоқ; бошқармоқ, ўз йўлига солмоқ. *Ўзини идора қилмоқ. Ўз иродасини идора қилмоқ.* ▬ *Албатта, уларнинг тилини дарров билиб олиб, идора қилиш учун ўқиган, саводли одамлар керак..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Иродамни идора қиларлик журъат тополмай қолдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Маълум бир ижтимоий, давлат, хўжалик, савдо ва ш. к. тармоқларни бошқариш учун штатли ходимлари ва маъмурияти бўлган ташкилот, муассаса, бошқарма ва улар ўрнашган бино. *Бошқарув идоралари. Мусулмонлар идораси. Идорада ишламоқ.* ▬ *Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шербекнинг ёдига раиснинг билтур идорада ўтириб айтган бошқа сўзлари тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИДОРАВИЙ Идора ишлари билан боғлиқ бўлган; идора томонидан қилинадиган. *Қонун ҳужжатлари, шу жумладан, идоравий-норматив ҳужжатлар, агар уларнинг ижроси чет эллик инвесторга ёки чет эл инвестицияларига зарар етказмаса, орқага қайтиш кучига эга эмас.* Газетадан.

ИДОРАЧИЛИК Ишни бошқариш, олиб боришдаги ўта расмиятчилик, ишнинг зарарига хизмат қиладиган ўта расмиятчилик. *Идорачилик тўсиқлари.. саноат ва қурилишга раҳбарлик қилиш амалиётидаги катта камчиликдир.* Газетадан.

ИДРАМОҚ *шв.* Қалтирамоқ, титрамоқ. *Энасин бадани идраб кетди.. Болам деб, беҳуш бўп ўзидан кетди.* «Ойсулув». *Гўрўғлига яқин етди Тўлак «ботир» идрашиб.* «Гулнорпари».

ИДРОК [*а.* إدراك – эришиш, фаҳмлаш, онг, тушунча; ақл] **1** Ташқи дунё воқеа, ҳодисаларини билиш, тушуниш қобилияти; зеҳн, фаҳм, фаросат. *Сенинг идрокинг зўр экан. Идрок билан иш қилмоқ керак. Ақлнинг ўлчови – идрок.* Мақол.

2 *флс.* Бевосита сезги аъзоларига таъсир этаётган объектив мавжудот, предмет ва ҳодисаларнинг киши онгидаги инъикоси (Идрок инъикос этилаётган предмет ва ҳодисаларнинг аввалги тажрибалар асосида тушунилишини ҳам ўз ичига олади).

Идрок этмоқ *(ёки* **қилмоқ**) 1) тушуниб етмоқ; фаҳмламоқ. *Сизга узоқдан кўзим тушган ҳамон, ботир, диловар йигитлардан эканлигингизни идрок қилган эдим.* Ойбек, Навоий; 2) *флс.* онгда инъикос этган воқеа-ҳодисани тушунмоқ, билиб олмоқ.

ИДРОКЛИ Идроки бор, тез тушуниб оладиган, зеҳни ўткир, фаҳм-фаросатли. *Идрокли бола.*

ИДРОКСИЗ 1 Идроки йўқ, зеҳни паст, бефаҳм. *Идроксиз одам.*

2 Онг-шуурсиз, ўз ихтиёридан ташқари, ҳушсиз ҳолда. *Домла қўққисдан уйқудан уйғотилган кишидай идроксиз ҳаракат қилар, аммо ичкарига кирмас эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ИЕ *унд. с.* Ажабланишни, ҳайронликни ёки норозиликни билдиради; ийи, ийе, ийя. *Ие, нима деганинг у?* ▬ *Ие, ҳали хабаринг йўқми? Хотининг азонда жўнабди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИЕНА Японияда қадимда: олтин ёки кумуш танга; ҳозирда: Япония пул бирлиги.

ИЕРОГЛИФ [*юн.* hieros glyphoi – муқаддас белгилар < hieros – муқаддас + gliphe – нақш] Қадимги мисрликлар ва баъзи бир халқлар ёзувида бутун бир тушунча, ибора, сўз, бўғин ёки товушни ифодалаган, ҳайвон, одам, ҳар хил буюм, асбоб ва ш. к. тасвиридан иборат белги (ҳозирги кунда хитой ёзувидаги ва ундан япон ва корейс ёзувларига ўтган белгилар ҳам иероглифлар деб аталади).

ИЖАРА [*а.* إجاره – бирор нарсани фойда, ҳақ эвазига бериш ёки олиш] **1** Бирор кимса ёки ташкилотга тегишли нарсадан маълум ҳақ тўлаб, вақтинча фойдаланиш. *Ижара хўжалиги. Уй ижараси. Ерни ижарага олмоқ. Уйни ижарага қўймоқ.* ▬ *Кейинги йилларда капсанчилар ерни ташлаб кета берган экан, бойлар ерларини арзон-арзон ижарага беришибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Вақтинча фойдаланиш учун олинган нарса эвазига тўланадиган ҳақ. *Бу уй учун ҳар ойда ўн минг сўм ижара олинади. Ижарани вақтида тўламоқ,.*

ИЖАРАДОР *айн.* **ижарачи 1**. *Бир чопар келиб.. унда ўтирган ижарадорга энгашиб салом берди.* С. Айний, Қуллар.

ИЖАРАХЎР [ижара + *ф.* خور – еювчи] Уй-жойини ёки нарсасини ижарага қўйиб, ундан келган даромад билан кун кўрувчи, бойлик орттирувчи шахс.

ИЖАРАЧИ 1 Уй-жойини, ерини ёки нарсаларини ижарага берувчи (қўювчи) киши; ижарадор.

2 Бировнинг уйида ижарага ўтирувчи. *-Аслида ҳужра уники, мен эсам бир ижарачи эдим, – деди* [*Ҳожи хола*]. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЖИКИЛАМОҚ *шв.* Сўрайвермоқ, сўраб-суриштиравермоқ. *Ҳамма «Қишлоқларингда не бўлди?», деб ижикилайди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ИЖИРҒАЛАНМОҚ Ғижиниб, кучаниб, овоз чиқариб безовта бўлмоқ (чақалоқ ҳақида). *Чодир ичида бола ижирғаланди, хотин шошиб кириб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ИЖИРҒАНМОҚ Ножўя ёки ёқимсиз иш, гап, қилиқ, воқеа, ҳодиса ва ш. к. дан ғаши келиб ғижинмоқ; шундай ички кайфиятни ташқи белгилар (юз буруштириш, безовталик ва ш.к.) билан ифодаламоқ *Нега ижирғанаяпсиз?* ▬ *Шербек у қандай даро-*

мад тўғрисида гапираётганини пайқаб, ижирғанди. С. Анорбоев. Оқсой. -*Яна бизда ярамас бир одат бор, — деди Сайрамов ижирғаниб, — эркаклар теримни менсимайдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ИЖОБАТ [*а.* إجابت — жавоб бериш; қабул бўлиш, маъқул бўлиш]: **ижобат бўлмоқ** Қабул этилмоқ, эътиборга олинмоқ (худога қилинган илтижо, талаб ҳақида). *Бегуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади.* А. Қаҳҳор, Бемор. **Ижобат олмоқ** Розилик (рухсат) олмоқ. *Ижобатни олгандан сўнг.. Тошкент ашрафлари бир мажлис қуриб, ўтиришга Нормуҳаммад қушбегини ҳам чақирдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ижобатга ўтмоқ** Қабул бўлмоқ. *Йигитларингизнинг шаҳдини кўрдингизми? Ҳазратнинг дуолари ижобатга ўтади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ИЖОБИЙ [*а.* إجابى — қабул қилинган, мақбул] **1** Маъқул, мақбул деб топилганликни ифодаловчи; маъқулловчи, ёқловчи; *зид.* **салбий**. *Ижобий баҳо. Ижобий фикр. Ижобий муносабат. Масалага ижобий қарамоқ. Масала ижобий ҳал бўлди.* ▬ *Биз бу саволларга.. ижобий жавоб бера оламизми?* Газетадан.

2 Маъқуллашга, ёқлашга, мақтовга сазовор бўлган; яхши, фойдали; *зид.* **салбий**. *Ижобий таъсир.* ▬ *Лекин шуни билингки, бошлаган ишингизнинг ижобий томони билан бирга салбий, жуда катта салбий томони ҳам бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Яхши фазилатларга, хислатларга эга бўлган; ибратли; *зид.* **салбий**. *Ижобий образ. Ижобий қаҳрамон.*

ИЖОД [*а.* إيجاد — яратиш, кашф этиш; вужудга келтириш] **1** Бадиий, илмий, санъатга оид асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик фаолияти. *Ёш шоирларнинг ижоди жўш урмоқда.* ▬ *Шу қирқ йил давомида мен ижодимни халқ тақдири билан боғлашга ҳаракат қилдим.* Ойбек, Халққа хизмат — бахт.

2 Яратувчилик фаолияти маҳсули, самараси. *Навоийнинг ижодини ўрганиш.* ▬ *Ҳақиқий зиёли ўз билимларидан, ижодидан.. бошқаларни ҳам баҳраманд қилишга интилган шахсдир.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

Ижод этмоқ *(ёки* **қилмоқ**) 1) яратувчилик иши билан машғул бўлмоқ, ижод билан банд бўлмоқ; 2) ўйлаб чиқармоқ, кашф этмоқ. -*Буларни, — деди Элмурод, Мели полвоннинг дуторига имо қилиб, — ўз халқимизнинг усталари ижод қилган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЖОДБАХШ [ижод + *ф.* بخش — бағишловчи] Ижодий куч бағишловчи, ижодга тортувчи, илҳомбахш, *Унинг* [*Ҳамзанинг*] *порлоқ ва ижодбахш ҳаёти, унинг ёрқин хотираси узоқ йиллар қолажак.* Газетадан.

ИЖОДИЁТ [*а.* إيجاديّات]**1** Ижодий иш билан боғлиқ бўлган фаолият; ижод. *Мусиқа ижодиётига бундай зўр қизиқиш Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари мобайнида тўла-тўкис намоён бўлди.* Газетадан.

2 Бирор жанр ёки шахсга мансуб асарлар мажмуи. *Бадиий ижодиёт. Навоий ижодиёти.*

ИЖОДИЙ 1 Ижод, яратувчилик билан боғлиқ бўлган. *Ижодий фаолият. Ижодий меҳнат.* ▬ *Юсуфжон қизиқнинг ижодий йўли жуда мураккаб, ранг-барангдир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ижодий салоҳият жиҳатидан барча халқлар умуман бир хилдаги потенциал имкониятларга эга бўлиши мумкин.* Газетадан.

2 Умуман, муайян соҳада иш-фаолият билан шуғулланувчи. *Ижодий жамоа.* ▬ *Мен «Адолат» газетасининг ижодий ходимларидан, барча жамоасидан умр бўйи миннатдорман.* Газетадан.

Ижодий ёндашмоқ Бирон-бир ҳолатга, воқеа-ҳодисага ўз нуқтаи назари билан, янги фикр-мулоҳаза билан қарамоқ. *Кўпчилик ҳал этилмаган муаммолар ҳокимиятнинг ўрта бўғинларида чигаллашади, ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндашиш йўқ.* Газетадан. **Ижодий кеча** Ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти (ижоди)ни қайд этиш (кўрсатиш) ва тарғиб қилишга бағишланган кеча, йиғин.

ИЖОДКОР [*а.*+ *ф.* إيجادكار — ижод қилувчи] Ижод этувчи, юзага келтирувчи, яратувчи; яратилган нарса эгаси. *Ижодкор халқ.* ▬ *Кўз илғамас водийларинг оқ олтинга кон.. Халқинг зафар ижодкори, тинчликка посбон.* Ғайратий. *Менинг Ватанимда туғилган инсон, Табиий, ижодкор бўлур бегумон.* Қ. Муҳаммадий. *Бу воқеаларнинг ижодкори ва ижрочиси бўлмиш Олий Кенгаш аъзоларининг фаолиятини бугун фахр билан эсласак арзийди.* Газетадан.

ИЖОДКОРЛИК Ижодкор иши, ижодкорга хос фаолият; яратувчилик. *Ўзбекистонда замонавий бадиий ижодкорликнинг барча турлари ва жанрлари ривожланди.* Газетадан.

ИЖОДКОРОНА *рвш.* Ижодкорлик билан, яратувчилик намуналарини кўрсатиб. *Ижодкорона иш тутмоқ.*

ИЖОДХОНА Ижодий иш (ижод) олиб бориладиган хона, жой. *Бошқа томонда алоҳида ижодхонаси бўлса керак, деб ўйладим.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ИЖОДЧИ *айн.* **ижодкор.** *Ҳофиз Шерозий — эҳтиросли муҳаббат, гўзал табиат, доимий шодлик ва хуррамлик тароналарининг ижодчиси.* «ЎТА».

ИЖОДЧИЛИК Ижод иши, ижодчи фаолияти

ИЖОЗАТ [*а.* إجازت — рухсат, изн; таътил] Берилган розилик; рухсат. [*Марям Холматга:*] *Ҳай! Сен бу ерга кимнинг ижозати билан кириб ётдинг!?* Ҳамза, Ким тўғри? *Ғуломжон жўраларига айтиб, кейин Содиқ аминдан ижозат олди-да, Эрбўта билан қишлоққа жўнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЖОЗАТНОМА Ижозат этилганлиги, рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат.

ИЖОЗАТСИЗ Ижозат олмай, рухсатсиз. *«Энди чиқиб бўпсиз, — деди у ичида, — бир карра ижозатсиз чиқиб кетиб, бизни шунча ташвишга қўйдингиз, етар!».* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ИЖРО [*а.* إجراء — жорий бўлиш, амалга ошиш] Амалга ошириш (оширилиш), бажариш (бажарилиш). *Ижрони текшириш.* ▬ *Собиқ Олий Кенгашимиз тайёрлаган ва қабул қилган 200 га яқин қонун ва 500 дан зиёд қарор ана шу муқаддас вазифанинг шарафли ижроси эди.* Газетадан. *Уставнинг.. ижроси қаттиққўллик билан талаб этилар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Куй, ашула, рақс ва ш.к. ни бажариш (куйлаш, ўйнаш ва ш.к.). *«Чоргоҳ» куйи мақомчилар ижросида янгради.*

Ижро варақаси *ҳуқ.* Суд ҳукмини мажбурий амалга ошириш учун ёзилган ҳужжат. **Ижро этмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) Бажармоқ. *Мактабнинг хор жамоаси ҳар бир қўшиқни зўр маҳорат билан ижро этди.* ▬ *Ниёз қушбеги менга йигит қўшиб, бу ҳукмномани ижро қилишда бекка ёрдам бермак учун жўнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИЖРОИЯ [*а.* إجرائيّه — ижро этувчи, бажарувчи] Амалга оширувчи, бажарувчи (ташкилот, орган ва ш. к. ни билдирувчи сўзлар билан қўлланади). *Ижроия қўмитаси.* ▬ *Партиянинг Марказий Кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.* Газетадан. *Кенгаш ижроия бюронинг ваколатларини ва ишнинг асосий йўналишларини белгилайди.* Газетадан. *..бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимият зарур.* Газетадан.

ИЖРОЧИ 1 Амалга оширувчи, ижро этувчи; бажарувчи (шахс ёки ташкилот). *Биз оддий ижрочи. Шунинг учун биздан хафа бўлмайсиз энди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

Суд ижрочиси Суд қарорини ижро варақасига асосан амалга оширувчи лавозимли шахс.

2 Куй, рақс, роль ва ш. к. ни бажарувчи (санъаткор, артист). *Ижрочи ўз ролини маҳорат билан бажарди.*

Якка ижрочи Куй ёки ашулани якка ўзи ижро этувчи; солист, яккахон.

ИЖРОЧИЛИК Ижро иши, ижро этиш. *Режиссёр Пирмуҳамедовнинг ижрочилик маҳоратини қадрлар, унга ишонар, шунинг учун ҳам у билан ишлашни орзу қилар эди.* Ҳ. Акбаров, Ҳамиша изланишда. *Картинадаги бош ролни ажойиб ижрочилиги билан довруқ таратган санъаткор Раззоқ Ҳамроев талқин қилди.* Газетадан.

ИЖТИМОИЁТ [*а.* إجتماعيّات — ижтимоий ҳаёт тарзи, масалалари] *эск.* **1** Социалистик жамият, социализм.

2 Жамият, унинг ҳаёти ва қонуниятлари ҳақидаги фан; жамиятшунослик. *У [Шафиғуллина] биологиядан ҳам, ижтимоиётдан ҳам дарс берадиган кекса.. муаллима эди.* А. Мухтор, Чинор.

ИЖТИМОИЙ [*а.* إجتماعى — жамоа, жамиятга оид] **1** Инсон ва жамият ҳаётига оид. *Ижтимоий тузум. Ижтимоий тараққиёт. Ижтимоий ишлаб чиқариш. Ижтимоий муносабатлар.*

Ижтимоий фанлар Инсон ва жамият ҳаётига оид илмлар мажмуи. *Ижтимоий фанларнинг вазифалари, жамият ҳаётида тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар табииётшунослик фанларидан фарқли ўлароқ, инсон ва жамият ҳаётининг*

турли тармоқларини.. қамраб олган кенг кўламдаги илмлар мажмуасини ўз ичига олади. «Сирли олам».

2 Жамиятдаги табақа, синф ва ш. к. га мансубликни белгиловчи. *Ижтимоий гуруҳлар. Аҳолининг ижтимоий таркиби. Ижтимоий келиб чиқиш.*

3 Жамият билан боғланган, жамиятга, жамоатчиликка оид. *Ижтимоий ҳаракат. Ижтимоий фикрнинг ривожи. Ижтимоий меҳнат.* ▬ *Ижтимоий ҳаётда рўй берган воқеа ва ҳодисалар халқ қўшиқларида ўз ифодасини топади.* «Фольклор».

4 Жамиятнинг, жамоатчиликнинг эҳтиёжлари учун ихтиёрий (эвазсиз) хизмат этувчи. *Ижтимоий ташкилот. Ижтимоий таъминот. Ижтимоий топшириқ. Ижтимоий ишлар.*

5 Жамоатчиликка тегишли, жамоатчилик ўртасидаги. *Ижтимоий мулк. Ижтимоий муносабатлар.*

ИЖТИМОИЙЛАШМОҚ Ижтимоий тус олмоқ; умумлашмоқ.

ИЖТИНОБ [*а.* إجتناب – узоқланиш, сақланиш] *эск. кт.* Ўзини тортиш, тийилиш.

Ижтиноб қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ўзини тиймоқ, тортинмоқ. *Билур жаҳон эликим, меҳмон зиёфатидин Менинг тариқим эмас ижтиноб қилмоғлиқ.* Алишер Навоий. *..узун ва қуруқ.. мақолаларни босмоқдан ижтиноб этамиз.* Газетадан.

ИЖТИҲОД [*а.* إجتهاد – тиришиш, ғайрат қилиш, жаҳд қилиш] *эск. кт.* Зўр ғайрат, жон-жаҳд билан уриниш. *Ўқиш, ўрганиш, ҳормай зўр ижтиҳод билан ишлаш, шубҳасиз, ғалабаларга етказар.* Ойбек, Нур қидириб. *Қуръони шарифни кўп ижтиҳод билан ўргандинг, баракалла, ўғлим.* Ойбек, Болалик.

ИЖТИҲОДЛИ *эск. кт.* Серғайрат, ҳаракатчан, тиришқоқ. *Ижтиҳодли талаба.*

ИЗ 1 Бирор нарса сатҳида (юзасида) бошқа нарсанинг тегиши, босилиши ва ш. к. натижасида ундан қолган, уни билдирувчи акси. *Бармоқ изи. Оёқ изи. Ғилдирак изи.* ▬ *Бу ерда гиёҳ ҳам қолмабди. Фақат мол туёқларининг тартибсиз излари кўринади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. [*Содиқ:*] *Бўйнидан бўғилган.* [*Нодир:*] *Панжа излари бор.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Тунда қалин ёққан қор изларни беркитишга улгурган эди.* Газетадан.

2 Бирор нарсадан ёки кимсадан қолган асар, белги. *Ҳамма ёқда даҳшатли зилзила излари кўринади: йиқилган уйлар, урилмаган деворлар, вайрона жинкўчалар..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Самарқандда ҳар қадамда асрларнинг изи бор, — деди Аҳроров.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Қотиллар мурданинг шағал тагида қолиб кетиб, умрбод изи йўқолишини мўлжаллагандилар.* Газетадан. *Раҳим Саидов суриштиришга қарор қилди.. Балки изи чиқиб қолар.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 *кўчма* Бирор нарсанинг (уни ифодаловчи) кичик бир акси; нишонаси. *Юзида эски гўзалликнинг излари ҳали сақланган қирқ ёшли хотин меҳрибонлик билан қизига қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *..юзларида табассум излари кўрина бошлади-ю, бир зумда тарқалиб кетди.* Ойдин, Ҳикоялар.

4 Маълум йўналишдаги ҳаракат (юриш) туфайли ер сатҳида қоладиган узун из, йўл. *У, ўнг томонга қийшайганча инграб, тепаликка кўтарилаётган машина изидан одимлаб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Сойлик дарёнинг баҳорги тошқин вақтидаги изи бўлиб, «Кичик дарё» номини олган, кичик дарё пайдо бўлганда, ҳалиги тўқай оролга айланар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Босиб ўтилган (ўтилаётган ёки келинадиган) томон, йўл. *Поезднинг қораси ўчгунча, мўлтираб қараб турдим, кейин йиғлаб-йиғлаб, изимга қайтдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Изингда термилиб қолди кекса чол, Кўзда таважжуҳи, дуоси тилда.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кўзим изингга, қулоғим товушингга зор бўлиб ўтирибман.* Ойбек, О. в. шабадалар.

6 Иш-ҳаракат, фаолиятдаги йўл, йўналиш. *Мен ҳам сиз ўша тасвирини қилган табаррук зотлар изидан боряпман.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу уйда икки хотин олиш бир расм бўлиб қолган экан. Эрим отаси, акаси изидан кетиб, устимга хотин олса-я..* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Трамвай, поезд ва ш. к. ғилдираклари остига (юриш учун) ётқизиладиган махсус қурилма. *..бу йигитлар оломоннинг олдига тушиб, темир йўлни босдилар ва бир соатда бир неча чақирим темир йўлнинг из ва шпалларини бузиб ташладилар.* С. Айний, Қуллар.

Из олмоқ Изни белгиламоқ, топмоқ. *Пошшоликда из оладиган изчиларни шаҳарнинг тўрт тарафига жўнатди.* «Нурали». **Из**

қувмоқ 1) изидан (орқасидан) таъқиб қилмоқ, изига тушмоқ. *Сувонжон бир қадам ҳам четга чиқмасдан, жилғанинг оғзигача из қувиб борди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) топиш, аниқлаш ҳаракатида бўлмоқ. **Изга тушмоқ** 1) ўз йўлига тушмоқ (дарё ҳақида); 2) тўғри, мақбул йўл (ҳолат) касб этмоқ, тартибга тушмоқ (иш, фаолият ҳақида). *Шербек қидирган нарсасини Тошкентдан топиб келган, бу ердаги ишлари изга тушиб кетган бир пайт эди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Издан чиқмоқ** 1) йўлидан (изидан) четга чиқмоқ. *Трамвай издан чиқибди;* 2) тартибли йўли бузилмоқ, иш, фаолияти ёмон томонга ўзгармоқ. *Меҳнат интизоми издан чиққан, ҳамма тармоқда бошбошдоқлик, эгасизлик ҳукм суряпти.* «Муштум». *Кўзбўямачилик ва хушомадгўйлик йўлига ўтиб олиб, қанча раҳбарлар издан чиқмади, жамиятга қанча зарар келтирмади.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида. **Изига тушмоқ** 1) *айн.* **изга тушмоқ** *Кейин ҳаёт яна ўз изига тушиб кетади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса; 2) таъқиб қилмоқ, таъқибида бўлмоқ. [*Саодат:*] *Уйинг куйгур миршаблар изингга тушиб қувладими?* Ойбек, Қутлуғ қон; 3) бир ёмон иш қилиш йўлига тушмоқ; пайига тушмоқ. [*Навоий:*] *Кўриниб турибдики, рақиблар изимга тушиб, менга чуқур қазимоқдалар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Изига қайтмоқ** 1) тезда келган йўлига (томонига, жойига) қайтмоқ. *Боргин-у изингга қайт;* 2) асл, аввалги ҳолига ўтмоқ (тушмоқ). *Ишлар яна изига қайтди.*

ИЗА *шв.* Пастки қисм; этак, қуйи. *Унда бир тоғнинг изасида одамсифат, одамхўр ваҳший жондорларнинг макони бор эди.* «Ёдгор».

Иза ер Сизот (сувли) ер. *Бунинг далиллари кўз ўнгимизда, жумладан, шу биз сизотни қуритишга ҳаракат қилиб ётган иза ер минг йиллаб ишсиз ётган ер эди.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Иза сув** Сизот сув, ернинг юзига чиқиб ётган сув.

ИЗВОШ [*р.* извозчик – киракаш арава ҳайдовчи] *с. т.* Резина ғилдиракли, усти очилиб-ёпиладиган енгил от арава; файтон. *Колхозга янгича илм керак. Кўнглингизга келмасин-ку, извошга эшак қўшиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Извош муюлишга яқинлашиб қолганда, йўртиб келаётган от тўсатдан қадамлаб юра бошлади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ИЗВОШЧИ *с. т.* Извош ҳайдовчи ёки унинг эгаси. *Ярим кечада эшик тақиллади. Чиқиб очдим, қари извошчи.. мен билан жуда ҳазилкаш.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЗДИҲОМ [*а.* إزدحام – одамларнинг бир жойга тўпланиши, тирбандлиги; тиқилинч] *кт.* Одамлар тўдаси, оломон; йиғин, давра. *Бу ерда ҳам бир неча юз кишилик издиҳом беш-олтита хон навкарларини ўраб олиб, тошбўрон қилмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Тожибой, агар Муқимий «хўп» дегудек бўлса, шу нотаниш издиҳомнинг ўртасига тушиб, чилдирмани қарс уриб, Муқимийнинг бошига одам тўплашга тайёр эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ИЗДОШ Изидан борувчи, йўлини давом эттирувчи. *Хўш, ҳазрат Баҳоуддин издошлари ўзимизда ҳам борми?* Газетадан. *Меъморчилик обидаларига боқий ҳаёт ато этишда Хива наққошлари сулоласининг издошлари хизматини қониқиш билан қайд этсак арзийди.* Газетадан.

ИЗЕН Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик озуқабоп, тўйимли ўт ўсимликлардан бири. *Албатта, шувоқ билан изен қоракўл тери сифатини яхшилайди.* Газетадан. *Катта-катта майдонларга арпа, жавдар, изен каби тўйимли озуқабоп ўтлар ҳам экиб келиняпти.* Газетадан.

ИЗЗА [*а.* إيذاء – азоблаш, ранжитиш; озор бериш] Уялиш, хижолат ҳисси; ранж, озор. *Бу ишнинг иззаси жуда ҳам ўтди, Ғам савдоси бунда мени ҳоритди.* «Баҳром ва Гуландом».

Изза бўлмоқ (*ёки* **тортмоқ, емоқ, чекмоқ**) Уят, хижолат ҳиссини туймоқ; уялмоқ, хижолат бўлмоқ. *Отинг ўзолмаса, нима қиласан? Бир ўзбекдан изза бўлиб қоласан.* «Алпомиш». *..ундан бундай гап чиқишини кутмаган бўлса керак, қаттиқ изза тортди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *«Етимдан ҳол сўраш савоб, деб келибди-да булар, аяжон!» Келганига роса изза еб, Бўлишарди қизлар пушаймон.* О. Ҳожиева, Ҳаётга таъзим. *Йигитали яхши кўнгилда айтган гапининг зил томони ҳам борлигини фаҳмлаб, изза чекди.* Т. Малик, Ажаб дунё. **Изза қилмоқ** (*ёки* **бермоқ**) Хижолат қилмоқ, уялтирмоқ. *Изза қилманг, жоним, келар йил легковой [енгил машина] олиб бераман.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сўз сўзладим, аввал қулоқ солганди, Ул қиз сўнгра менга изза берганди.* «Алпомиш».

ИЗЗАТ [*а.* عزّت – шон-шуҳрат, ҳурмат; афзаллик; улуғлик] **1** Ўзганинг ҳурмат-эътибор туйғуси, шундай туйғули муносабат; ҳурмат. *Сиҳат тиласанг – кам е, иззат тиласанг – кам де.* Мақол. ▬ *У ҳаммадан иззат кутган вазиятда эди, бироқ Барат паранждан бошқа ҳеч ким унга эътибор бермади.* «Муштум». *Келинойилари Нури учун эмас, балки қайнана иззати учун айланиб-ўргилиб кўришишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Иззати нафс Кишининг ўз назаридаги, ўзига нисбатан иззат-ҳурмати; ҳурматталаблик, нафсоният. *У ёшлигидан кўпчиликнинг ҳурматини қозониб ўсгани учун, иззати нафси, йигитлик ғурури жуда кучли эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Иззат сақламоқ** Иззат-ҳурмат қилган ҳолатда бўлмоқ. *Ғуломжон тутган табуреткага* [*Матқовул ака*] *ўтирди, қўлларини қовуштириб, иззат сақлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Иззат қилмоқ** Ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқ. *Йигитлар.. уни шунчалик иззат қилишар эдики, Асқар ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди.* А. Қаҳҳор Хотинлар.

2 Иззат (эркаклар исми).

ИЗЗАТ-ИКРОМ Юқори даражадаги ҳурмат-эҳтиром.

ИЗЗАТЛАМОҚ *кам қўлл.* Иззат қилмоқ, иззат кўрсатмоқ; сийламоқ.

ИЗЗАТЛИ Иззати бўлган, иззат-ҳурматга сазовор. *Иззатли меҳмон.* ▬ *Кичик поччамнинг жуда иззатли бўлиб кетганига катта поччамнинг ғаши келади..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Отабекнинг бу ҳолига қарши чиқувчи ва Зайнабни йўл-йўриққа солувчи яна фақат Ўзбек ойим эдики, бунинг сабаби ҳам иззатли ўқувчиларимизга бир даража маълум бўлса керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИЗЗАТ-НАФС (*тўғриси* **иззати нафс**) *қ.* **иззат.**

ИЗЗАТТАЛАБ [*а.* عزّت‌طلب] *салб.* Ўзининг иззат-ҳурмат қилинишини яхши кўрувчи, нафсонияти зўр; манман, мағрур. *Иззатталаб одам.*

ИЗИЛЛАМОҚ *шв.* **1** Бир турли чўзиқ чинқироқ овоз чиқармоқ. *Шамол изиллаб эсмоқда.* ▬ *Садаф яна изиллаб йиғлай бошлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Ким ўлади, ким қолади, Бола-чақа изиллаб, қандай бўлади?* «Баҳром ва Гуландом».

2 Тирқирамоқ, тирақайламоқ. *Ғайратинг бор экан, шунда синадим. Йўлиқса, изиллаб қочади девлар.* «Баҳром ва Гуландом».

3 *шв.* Қаттиқ совқотмоқ.

ИЗЛАГИЧ Бирор нарсани излаб топиш учун хизмат қиладиган асбоб. *Мина излагич.*

ИЗЛАМОҚ 1 (юриб, қараб, сўраб) Кимса ёки нарсани топиш ҳаракатида бўлмоқ; ахтармоқ, қидирмоқ. *Иш изламоқ. Она ўғлига қиз излар эди. Чўпон йўқолган қўйларни изламоқда эди.* ▬ *Бошим эсон, ўтиб кетди кўп йиллар. Шакарбекни излаб, топмадим хабар.* «Ширин билан Шакар». *Индинига эрталаб она-бола йўлга чиқиб, бедарак кетган отани излаб кетдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..қуюқ қошлари остидаги ярим очиқ кўзлари кимнидир излагандек қарайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У кимнидир излаётгандек, у ёқ-бу ёғига пича аланглаб қараб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фикрлаш, ўйлаш орқали топиш ҳаракатида бўлмоқ; ахтармоқ. *Баҳона изламоқ. Янгилик изламоқ. Далил изламоқ.* ▬ *Матчон тўра Жумагулга эришишга кўзи етмагач, уни Исфандиёрхонга инъом қилиб, унга яхши кўриниш йўлларини излади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Тирноқ орасидан (*ёки* **остидан) кир изламоқ.** *қ.* **тирноқ.**

ИЗЛАНИШ Янгилик топиш, яратиш ҳаракатида бўлиш, шундай мақсадли ҳаракат, фаолият. *Ижодий изланиш. Янгилик изланишсиз бўлмайди.* ▬ *Ипак толалари сифатини янада яхшилаш борасида олиб борилган изланишлар ижобий якунланди.* Газетадан. *Жазирама ёзда ҳам, қаҳратон қишда ҳам геологларнинг қиладиган иши асосан битта – муттасил изланиш.* «Фан ва турмуш».

ИЗЛАНМОҚ 1 Изламоқ фл. мажҳ. н. *Изланган нарса топилди.*

2 Ён-верини, чўнтакларини ковлаб, бирор нарса қидирмоқ, тимирскиланмоқ. *Кампир бирор нарса йўқотгандай изланар эди.*

3 Янгилик топиш учун ҳаракат қилмоқ, янгилик изламоқ. *Чинакам санъаткор доимо изланади.*

ИЗЛАНУВЧАН Доимо изланишда бўлган, изланиш билан машғул, изланишга берилган. *Изланувчан олима ўзининг бутун билими, кучи, умрини.. она-юртга хизмат қилишга бағишлади.* Газетадан. *Умидли, изланувчан ёшларимизнинг кўплиги қувончли ҳолдир.* Газетадан.

ИЗЛАНУВЧИ Янгилик изловчи, ахтарувчи, қидирувчи. *Доим тинмай изланувчи олимларнинг юксак мукофотга сазовор бўлганликлари ҳаммамиз учун ҳам қувончли воқеадир.* Газетадан.

ИЗЛИ Изда юрадиган. *Изли транспорт.*

ИЗЛОВЧИ 1 Изламоқ фл. сфдш. *Халқ бахтини изловчи.. маълумотли курашчилар лозим.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Тадқиқот йўли билан қидирувчи; изланувчи. *Янгилик изловчилар. Изловчи олимлар.*

ИЗМ [*а.* عزم — ирода, қасд, ният; қатъий қарор] **1** Бошқаришда, бирон-бир ишни бажаришда ва ш.к. да ихтиёр, эрк. -*Якшанба куни тўйи, — деди у биркесарлик қилиб. — Қизнинг изми отада.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Қурилишда мен бошлиқман, Бўриев. Маблағ ҳам, одамлар ҳам, жумладан, сиз ҳам менинг измимдасиз.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳожи бобо дўконнинг измини менга топшириб, ичкарига кириб кетди.* F. Fулом, Шум бола.

2 *эск.* Амр, фармон; ижозат, рухсат. -*Жаноблари ҳам келдилар, — элликбоши ўтирган жойидан эълон қилди ва мирзонинг измини кутди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Изм бермоқ Ижозат ёки рухсат бермоқ. *Хиёл қўзғалмоқчи эди, Дадашев изм бермади.* И. Раҳим, Тақдир. **Измига солмоқ** Ўз йўлига юргизиб, ўзига бўйсундирмоқ. *Механизаторлар машиналарни ўз измига солиб, пахтадан юқори ҳосил олмоқдалар.* Газетадан.

ИЗМА Кийим, ёстиқ жилди ва ш. к. нинг тугма ўтказиладиган тешиги. *Изма очмоқ. Измасини тикмоқ.* ▬ *Фотима занглаб, кўкариб кетган мис тугмани измадан чиқариб олиб, чўнтагига қадабди.* С. Аҳмад, Онажонлар.

ИЗМА-ИЗ *рвш.* Изидан қолмай, кетма-кет. *Жангчилар билан изма-из етиб келган шафқат ҳамшираси Эргашни кўтариб, окопга олиб тушди.* Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача. *Изма-из чопиб кетаётган икки қиз кўринди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИЗМАЛАМОҚ Изма ўрнини очиб, атрофини йўрмаб қўймоқ.

ИЗН [*а.* إذن — рухсат (бериш); рухсатнома] Рухсат, ижозат. *Изн бермоқ. Изн олмоқ.* ▬ *Сигирсизлар.. бирор ҳафта мардикор ишлаб, беш-ўн сўм топиб қайтиш учун изн истайдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *У менинг воситамда тўйни бошлаш учун изн олгани келган экан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шу вақтгача ўзини босиб, индамай турган Fуломжон мингбошидан бир-икки саволга изн сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЗО [*а.* إيذاء — азоб, ранж] *эск. кт.* Азоблаш, ранжитиш; озор, алам. *Золимлардан кўрдинг изо, Бўлмай мақсад иши бажо.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Муштумзўрлик омборига ғалла берилмас, Унинг иғво, изосидан ҳеч бир қўрқилмас.* F. Fулом.

Изо бермоқ Озор бермоқ, азобламоқ, ранжитмоқ. *Кимки насиҳат билан тузалмаса, ҳаёт унга изо бериб, кўзини очиб қўяди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ИЗО- [*юн.* izos — тенг, бир хил, ўхшаш] Ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: тенглик ёки ўхшашликни билдиради; мас., *изобара, изомерлар.*

ИЗОБАРА [изо.. + *юн.* baros — оғирлик] **1** *геогр.* Географик харитада бир хил атмосферавий босимга эга бўлган жойларни бирлаштирувчи чизиқ.

2 *физ.* Иссиқлик жараёнларини акс эттирувчи диаграммаларда тенг ёки доимий босим чизиғи.

3 *физ., ким.* Нуклонлари сони бир хил, лекин протон ва нейтронлари сони ҳар хил бўлган — электр зарядлари жиҳатидан фарқланадиган атом ядролари.

ИЗОЛЯТОР [*фр.* isolateur — ажратувчи, бўлувчи < isoler — ажратмоқ, яккаламоқ] **1** *физ.* Электр токини ўтказмайдиган модда (мас., чинни, шиша).

2 Шундай моддадан ишланган, электр симларини тортиш ва маҳкамлаб қўйишда фойдаланиладиган қурилма (чиғаноқ, чинни ва ш.к. токни ёмон ўтказадиган материаллардан ясалади).

3 Касалхона, казарма, лагерь, болалар уйи ва ш. к. да касали аниқланмаган ёки юқумли касал билан оғриган беморлар, моллар бошқаларидан вақтинча ажратиб қўйиладиган алоҳида хона, жой. *Беморни изоляторга ётқизмоқ.* ▬ *..касал молларни изоляторга ўтказиш ҳамда уларни махсус рацион асосида боқишни ташкил қилиш керак.* Газетадан.

ИЗОЛЯТОРЧИ Изоляция қилувчи ишчи. *Пайвандчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Ротор кетидан изоляторчилар, сўнгра қувур ётқизувчилар.. бормоқда.* И. Раҳим, Тақдир.

ИЗОЛЯЦИОН Изоляция қиладиган, ўтказмайдиган. *Изоляцион ипак радио саноатида.. қўлланадиган симларга ўраш учун ишлатилади.* Газетадан. *Шунингдек, қурилиш блоклари.. изоляцион шиша ашёлар ҳам ҳозир қурилишда кенг қўлланмоқда.* «Фан ва турмуш».

ИЗОЛЯЦИЯ [*фр.* isolation – ажратиш, бўлиш, алоҳидалаш] **1** Энергия манбаини, энергия ўтказувчи сим, труба ёки хона, асбоб кабиларни (мас., совуткични) электр, иссиқ, нам, сув ва ш. к. ўтказмайдиган материал билан ўраб, қоплаб қўйиш. *Гуттаперча, айниқса, сув ости кабеллари учун изоляция материали сифатида кенг фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай ўрама, қоплама, қатламнинг, материалнинг ўзи. *Қурилиш мастери Содиқ Сиддиқов, бетончи Камол Жумаев ёғоч қипиғидан иситиш изоляциялари тайёрлаб, қурилишда қўллай бошладилар.* Газетадан.

3 *тиб., ветер.* Алоҳидалаш, ажратиб қўйиш. *Изоляция хонаси.* ▬ *Биз қишлов олдидан.. «брак» қўйларни ажратиб олиб, изоляция хоналарида даволаймиз.*

Изоляция қилмоқ Изоляция ҳолатига олмоқ. *Трубалар эса ҳеч қандай изоляция қилингани йўқ.* Газетадан.

ИЗОЛЯЦИЯЛАМОҚ 1 *тех.* Энергия манбаини, энергия ўтказадиган сим, труба ёки хона, асбоб ва ш. к. ни изоляцион материал билан қопламоқ. *Кимсасиз, гиёҳсиз даштда 205 километр узунликдаги қувурларни изоляцияладик.* Газетадан.

2 Бошқа бемор (касал)лардан ажратиб, алоҳидалаб қўймоқ.

ИЗОМЕРИЯ *ким.* Изомерларнинг мавжудлигидан иборат ҳодиса.

ИЗОМЕРЛАР [изо.. + *юн.* meros–улуш, қисм] *ким.* Таркиби ва молекуляр оғирлиги бир хил, аммо молекулада атомларнинг турлича жойлашуви сабабли, физик ва кимёвий хоссалари бошқа-бошқа бўлган моддалар.

ИЗОМОРФ Изоморфизм хусусиятига эга бўлган. *Изоморф моддалар.*

ИЗОМОРФИЗМ [изо.. + *юн.* morphe – шакл] *ким., физ.* Кимёвий таркиби ва кристалл тузилиши бир-бирига яқин жинсларнинг ўзгарувчан таркибли бирикмалар (аралаш кристаллар) ҳосил қилиш қобилияти.

ИЗОТЕРМАЛАР [изо.. + *юн.* therme – иссиқлик] **1** *геогр.* Географик хариталарда Ер юзасининг муайян давр оралиғида температураси ўртача бир хил бўлган жойларини бирлаштириб турган чизиқлар; изочизиқлар.

2 *физ.* Физикавий миқдор (ҳодиса)лар ўртасида доимий температура остида содир бўладиган боғлиқликни график акс эттирувчи (тасвирловчи) чизиқлар.

ИЗОТЕРМИК *махс.* **1** Изотермага оид, изотермалар билан боғлиқ бўлган. *Изотермик чизиқлар.*

2 Температураси ўзгармай, бир хилда турадиган. *Изотермик вагон.*

ИЗОТОПЛАР [изо.. + *юн.* topos – жой] *ким.* Муайян кимёвий элементнинг атом ядроларида протонлар миқдорининг бир хил, нейтронлар миқдорининг ҳар хил бўлиши билан фарқ қиладиган ва шу сабабли даврий системада айни бир ўринни эгаллайдиган барқарор ёки радиоактив турлари. *Радиоактив изотоплардан геологлар ҳам ер ва тоғ жинсларининг ёшини аниқлашда фойдаланадилар.* «Фан ва турмуш».

ИЗОФА [*а.* إضافه – қўшиш, боғлаш] **1** *эск. кт.* Қўшиш, боғлаш, тиркаш.

Изофа қилмоқ Қўшмоқ, боғламоқ. *Яна ўз фикри босавобларини изофа қилиб, қусур ва хатоларимизни танбеҳ этсалар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *тлш.* Форс, араб ва баъзи туркий тиллар грамматикасида: аниқланмиш билан ундан кейин жойлашган аниқловчини боғловчи урғусиз унсур; боғланишнинг форс тилидан ўзлашган шундай тури ўзбек тилида кўпинча ундошлардан кейин «и», унлилардан кейин «йи» келтириш билан бўлади, мас., *ошиқи беқарор, шаҳри азим, боди сабо, ойнайи жаҳон, балойи нафс.*

ИЗОФАЛИ Изофа воситасида боғланган. *Изофали бирикма.*

ИЗОХРОН [изо.. + *юн.* chronos – вақт] *физ.* Давомлилиги жиҳатидан тенг, бир хил вақтда содир бўладиган, баравар давом этадиган. *Изохрон тебранишлар.*

ИЗОХРОНЛИК *физ.* Баравар содир бўлиш, баравар давом этиш; бир хил, тенг давом этишлик. *Тебранишларнинг изохронлиги.*

ИЗОЧИЗИҚЛАР *геофиз.* Харита ёки диаграммаларда қандайдир миқдор кўрсаткичлари, мас., температура, босим, намлик

даражалари ва ш. к. нинг бирдай, тенг бўлган жойларини бирлаштирувчи чизиқлар.

ИЗОҲ [*а.* إيضاح – тушунтириш, шарҳ] **1** Сўз, ибора ёки воқеа-ҳодиса ва ш. к. га берилган шарҳ; тушунтириш. *Китоб изоҳ ва шарҳлар билан таъминланган.* ▬ *Зайнаб кейинги сўзларга тушуна олмаган.. Кумушдан изоҳлар олмоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Менингча, савол равшан, изоҳга эҳтиёж йўқ!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

2 Матннинг айрим ерига киритилган ёки айрим масалага берилган қўшимча маълумот, тушунтириш, эслатма, уқтириш.

Изоҳ бермоқ 1) сўз, ибора ва ш. к. маъносини (мазмунини) тушунтирмоқ, шарҳламоқ; изоҳламоқ. *Сўзга изоҳ бермоқ;* 2) тушунтириш, изоҳ тарзидаги гап айтмоқ. *-Бизнинг театр ҳали янги-да. Уста ўйновчилар йўқ, — деб изоҳ бера бошлади Абдишукур.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Албатта, албатта, — деди Суннат ва Элмуродга изоҳ берди: -Бу хотиннинг укаси бизда хизмат қилади. Мен билан жуди иноқ..* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ИЗОҲЛАМОҚ Сўз, ибора, воқеа-ҳодиса ва ш. к. маъносини, мазмунини тушунтирмоқ; изоҳ бермоқ. *Сўз маъносини изоҳламоқ. Қонуннинг айрим моддаларини изоҳламоқ.* ▬ *-Чунки унинг [Отабекнинг] сўзига қараганда, сиз уни оғирроқ тариқа билан дарбозангиз ёнидан жўнатган экансиз, — деб изоҳлади уста.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бердиёровнинг ўзбек фразеологизмларини изоҳлаган икки китоби нашрдан чиқди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ИЗОҲЛИ Изоҳи бор, маъноси, моҳияти тушунтирилган.

Изоҳли луғат Сўзнинг маъносини, маъноларини шарҳлаб, тушунтириб берувчи луғат. *Қани, изоҳли луғатдан топиб ўқиб кўрай-чи, маъноси нима экан..* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ИЗОҲЛОВЧИ 1 Изоҳламоқ фл. сфдш.

2 *тлш.* Шахс ёки предметни бошқа бир ном бериш йўли билан аниқлаб келадиган бўлак.

ИЗОҲОТ [*а.* إيضاحات – «изоҳ» с. нинг кўпл.] *эск. кт.* Изоҳ; изоҳлар, тушунтиришлар, шарҳлар. *Изоҳотларим яна бир банд билан тугайди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ИЗОҲОТЧИ *эск. кт.* Тушунтирувчи, шарҳловчи. *..бу ялангликда сайисхона бўлган, — деди изоҳотчи малла йигит..* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ИЗОҲТАЛАБ Изоҳланиши, маъно ва моҳияти тушунтирилиши керак бўлган, изоҳсиз тушунилмайдиган; изоҳга муҳтож. *Изоҳталаб сўз. Изоҳталаб қарор.*

ИЗСИЗ 1 Изи йўқ, беиз. *Изсиз транспорт.*

2 Ном-нишонсиз, белги-асарсиз. *Изсиз йўқолмоқ.* ▬ *Демак, бизнинг қилган ишимиз изсиз кетмайдиган, умримиз оқар сувдек бекорга оқмайдиган бўлибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЗТИРОБ [*а.* إضطراب – ҳаяжон, ғалаён, бетоқатлик; беқарорлик] Руҳан эзилиш, сиқилиш ҳолати; руҳий азоб. *Оғир ўйлар изтиробиданми, уйқусизликданми ланж бўлиб турдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сен шу кунларда жуда қаттиқ алам, изтироблдасан, асабинг бузуқ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Уни танҳолик, ғариблик, йўқсизлик изтироби кемиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Изтироб чекмоқ Руҳан азобланмоқ. *Бу мудҳиш гапларни эшитганлар баттар изтироб чекар, ғам-алам қалбларини мушукдай тирнар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Изтиробга солмоқ** Қаттиқ ҳаяжонга солмоқ, руҳан эзмоқ; бетоқат қилмоқ.

ИЗТИРОБЛИ Изтиробга солувчи, руҳан эзувчи. *Изтиробли сўзлар. Изтиробли чеҳра.* ▬ *Изтиробли айрилиқда жафо чекачека, севгилиси ёнига олам тўла қувонч билан қайтган шўрлик ошиқ ёрини вафосизликда.. кўриб қандай ҳолатга тушса.. Ғуломжон ҳам ҳозир шундай ҳолатда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЗЧИ 1 Изига тушиб, из қувиб топувчи, изни яхши биладиган. *Гўрўғлининг йилқибони Ғиротнинг изини чўлистонда кўрди. Бу йилқибон кўп изчи эди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Изчилар ҳар қайсиси ҳар ёққа қараб кетди.* «Нурали».

2 *тар.* Из қидириб, издан тушиб топиш билан шуғулланувчи шахс; изқувар. *Изчиларнинг сўзига кўра, булар сизнинг қишлоққача келган ва шу ерда изи йўқолган.* С. Айний, Бухоро жаллодлари.

ИЗЧИЛ 1 Бир меъёрда, бир тахлитда, бир йўналишда; мунтазам, тадрижий давом этадиган. *..бу масала билан изчил ва сабот билан шуғулланиш бугунги кунда муҳим вазифадир.* Газетадан.

2 Ўзаро узвий ва мантиқий боғланган. *Шу папкага қараганда ҳам, у [Раҳмонқулов]*

ҳар ишни охирига етказадиган, тадбирли одамга ўхшайди. ҳамма буйруқлари изчил, амалий. А. Мухтор, Туғилиш.

ИЗЧИЛЛИК Мунтазам, узвий боғлиқлик, шундай ҳолатга эгалик. *Ишда изчиллик бўлиши керак.*

ИЗҚУВАР *айн.* **изчи 2.** *Полиция изқуварлари менинг ҳам кетимга тушди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Оператив гуруҳ таркибига тажрибали изқуварлар киритилди.* «Муштум».

ИЗҒИМОҚ 1 Бирор мақсадда кезиб юрмоқ. *Даштда бўрилар изғийди.* ▬ *Қани, бўлинглар! Ҳозир жўнанглар! Агентлар, жосуслар изғиб юришибди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Умуман, дайдимоқ, кезмоқ; санғимоқ. *Болалар кўчада изғиб юришибди.* ▬ *Бир куни «аскар чиқади» ваҳимасида бутун қишлоқ чувиллаб, тоққа чиқиб кетди. Кун бўйи тоғларда изғиб юриб, қоронғи тушганда элга қайтди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Бўраламоқ, изғирмоқ (изғирин, шамол ҳақида). *Шамол(лар) сарвзорда изғийди.* Ойбек, Навоий,

ИЗҒИН Изиллаган, чийилдоқ овоз.

Изғин тортмоқ Изиллаган овоз чиқармоқ. *Оҳ урганда неча сўзи, Чиқди тўпларнинг овози. Изғин тортиб йиғлади Алимхоннинг сарвози.* «Фольклор».

ИЗҒИР, изғор: изғир (изғор) чўл *шв.* Кимсасиз чексиз (даҳшатли) чўл. *Изғир чўлда дарагингни учирдинг. Айролиқдан менга шароб ичирдинг.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Изғир чўлни тўзон тутди, Йўлнинг танобини тортди.* «Алпомиш». *Мерганларни қувиб солиб олдига, Изғор чўлда қувиб кетиб боради.* «Маликаи айёр».

ИЗҒИРИН Аччиқ совуқли бўралаган шамол; изғириқ. *Тоғ томондан қор изғирини эсмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Боягина бир нав ёғиб турган қор энди дала ёқдан эсаётган аччиқ изғирин билан бўралаб уриб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ИЗҒИРИНЛИ Изғирини бор; аёзли. *Қишнинг изғиринли кунига қарамай, ҳамма томлар бошларига паранжи ё чопонни нарибери ёпган хотинлар, қизлар билан тўлди.* Ойбек Танланган асарлар.

ИЗҒИРИҚ *айн.* **изғирин.** *Ҳасанали ярим яланғоч ҳолда жунжайиб, дарча остида, изғириқ қучоғида ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИЗҒИРМОҚ Бўралаб эсмоқ (изғирин ҳақида).

ИЗҲОР [*а.* إظهار – аниқлаш, зоҳир қилиш, кўрсатиш] Зуҳр этиш, аёнлик ҳолати; билдириш; ифода. *Миннатдорлик изҳори.* ▬ *-Рихсивой аканинг ичи қоралигини сезардим-у, бунчалик ошкор изҳорини кўрмагандим, – деди Абдуғофур ота.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Тилим лол, сўзларим ожиздир, бироқ Нурдан пардоз олган чеҳрамда изҳор.* Г. Жўраева, Иқбол.

Изҳор этмоқ (*ёки* **қилмоқ, айламоқ**) Билдирмоқ, ифодаламоқ. *Мақсадини изҳор этмоқ.* ▬ *Мен ҳар нима бўлса ҳам, ўқишга боришимни изҳор қилдим.* С. Айний, Эсдаликлар. *Севишганлар ўз кўнгилларини тил билан изҳор этмайдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У шу жилмайишида ишқини менга изҳор айлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЙ *унд. с.* **1** Ажабсиниш, ҳайронликни ифодалайди. *-Ий, ий, – деди мулозим, – тандир ичида нима қилиб ўтирибсиз?* «Латифалар».

2 Хавфсираш, эҳтиёт бўлишни ифодалайди. *Ий, қоч, от тепиб олади! Ий, йиқилиб тушасан.*

ИЙД [*а.* عيد – байрам, ҳайит] Диний байрам; ҳайит. *Ийдлари муборак! Ийд кунлари.*

Ийд намози Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи куни эрта билан асосан жамоа бўлиб ўқиладиган намоз. *Бунда [бу масжидда] ийд ва жума намозлари ўқилмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Ийди рамазон** Рамазон ҳайити. *Ийди Рамазоннинг Қурбон ҳайитидан фарқли жиҳати фитр садақасидир.* Газетадан. **Ийди сағир** Кичик ҳайит, яъни Рамазон ҳайити. *Халқимизнинг урф-одатлари ва маросимлари орасида Ийди сағир, яъни кичик ҳайит деб аталадиган Рамазон ҳайити..* Газетадан. **Ийди қурбон** Рамазон ҳайитидан 70–72 кун кейин ўтказиладиган диний байрам, Қурбон ҳайити.

ИЙДЛИК 1 Ҳайитда кичикларга ва, умуман, шундай ҳадяга муносиб кўрилган кишиларга бериладиган пул, нарса; ҳайитлик.

2 *тар.* Диний байрам муносабати билан домлага олиб бориладиган ҳадя; ҳайитлик. *Эски мактабларимизда болалар ҳар пайшанба нон ё ноннинг пулини олиб борадилар. Бундан бошқа, бўйра пули, кўмир пули, ийдлик пули ҳам бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЙЕ *айн.* **ие.** *Ийе, ҳали танимас экансиз-да, бу киши оқсоқолимизнинг аёллари бўладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЙИ *айн.* **ие.** *-Ийи! – деди афанди, – қўрқмай бораверинглар.* «Латифалар».

ИЙИН *шв.* Елка. *Келади Азроил жон оламан деб, Ийнига олмос қилич соламан деб.* «Оқ олма, қизил олма». *Икки ийнидан кампир дамин олади, Кампир жуда тип-тикка бўп қолади.* «Ширин билан Шакар».

ИЙИНДИ Сигир соғилгандан сўнг елинда қолган ва ийдириб иккинчи марта соғиб олинадиган сут. *Паттихон сигирларни оғилда боқди. ..ийиндиларини ҳам соғиб оладиган бўлди.* М. Тожихалилова, Бири биридан ўткир. *Ийинди соғиш бошқа экан-у, росмана соғиш бошқа экан. Шу топда сезган эди буни қиз.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ИЙИР *қ.* **игир.**

ИЙИҚ 1 От, эшак каби иш ҳайвонларининг олдинги икки оёғи устидаги, белдан бўйингача бўлган қисми

2 Шу жойда пайдо бўладиган яра.

Ийиғи чиқмоқ Жуда эзилмоқ, абжағи чиқмоқ. *Билсанг, оғайни, менураллик бўламан. Урал темир йўлида ишлайвериб, ийиғим чиққанини билсанг эди.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ИЙЛАМОҚ Эзиб ёки муштлаб юмшатмоқ, шу йўл билан ишлов бермоқ. *Малҳамни ийламоқ.* ▬ *Шербек.. кўнгли ғаш бўлиб, уйига келганда, онаси ўчоқ бошида хамир ийлаётган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Тери ийламоқ Ошланган терини, кўнни ғижимлаб, эзиб ишлов бермоқ. *Нафсини тийган киши султон бўлур, хом терини ийласанг, ултон бўлур.* Мақол.

ИЙМАНМОҚ Уялиб, андишага бориб, ўзини тиймоқ; тортинмоқ. *Эргаш бир оз ийманиб турди-ю, ростини айтди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Йўлчи* [*ноннинг*] *бир бурдасини оғзига тиқса, лунжининг бир чеккасида йўқолиб кетар, патнисга кетма-кет қўл чўзаверишга ийманар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЙМОН [*а.* إيمان – Оллоҳга ишонч, эътиқод] *айн.* **имон.** *Исломда фақат диний таълимотга бўлган эътиқод ва тушунча – иймон тан олинади.* Газетадан. *Иймон эътиқодга қараганда чуқурроқ мазмунга, кенгроқ миқёсга эгадир.* Газетадан. *..ҳозирги даврда иймон тушунчаси, сўзи виждонлилик, софлик, поклик, ҳалоллик, ишонч каби дунёвий маъноларда ҳам ишлатиляпти.* Газетадан.

ИЙМОНСИЗ *айн.* **имонсиз.** *Кимки ислом динини қурол қилиб олиб, ҳокимият учун курашса, бу кураш мамлакатни хароб қилиб, мусулмон мусулмоннинг қонини тўкишига олиб келса, у киши иймонсиздир.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

ИЙМОҚ 1 Елини юмшаб, равон сут берадиган ҳолга келмоқ (соғин сигир, қўй, эчки ва ш. к. ҳақида).

2 *кўчма* Ҳиммат уйғонмоқ, кўнгли эримоқ. *-Ҳимматни баланд қилинг, она! – шовқин кўтаришди йигитлар. Лутфинисо ийиб, икки дўппи ва ўн сўм пул узатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *«Энди сенинг этагингдан маҳкам тутдим, қайси йўлдан бошласанг, ўзинг биласан», дегандан кейин Қодир жуда ийиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Меҳри иймоқ Меҳри уйғонмоқ. *Бувиражаб унинг соддадилларча термилишини кўз олдига келтирди, жилмайди, рости, меҳри ийиб кетди.* «Ёшлик».

ИЙРИМ *шв.* Оқар сувдаги ўрама, айлана, гирдоб. *Шундоқ оёғимиз остида ўша кўк ийрим, яъни гирдоб.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *Шунга бўла у билан боғлиқ жумбоқлар бирдан миясига уриб, тағин таниш ийримга тушди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ИЙСИНМОҚ *шв.* Меҳри товланиб ийинмоқ. *Кўриб эмчакларим ийсиниб боряпти.* ▬ *Бойчибарни кўриб, шундай ийсиниб, Биянинг ўркига сутлар келади.* «Алпомиш».

ИЙЯ *айн.* **ие.** *Ийя! Аблаҳ, бошқа гап қуриб қолдими?* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЙҚ *шв.* Оқим. *Халқ бир азим дарё: ийқина тушдинг-кетдинг.* Матал.

ИЙҲОМ [*а.* إيهام – ёлғон тасаввур, шубҳа туғдириш, адаштириш] *ад.* Шеърий санъат: шеърда ҳақиқий ва мажозий маъноларга эга ёхуд шаклан бир, маъно жиҳатидан ҳар хил бўлган сўз ёки сўз бирикмасини қўллаган ҳолда бир байтда икки хил маънони ифода этиш.

ИК *шв.* Йик, дук.

ИКИР-ЧИКИР 1 Катта (муҳим) бир нарсанинг кичик, майда-чуйда унсурлари. *Икир-чикиригача ўрганмоқ.*

Икир-чикир гап Майда-чуйда, арзимаган гап. **Икир-чикир иш** Майда-чуйда, арзимаган ишлар. *Анзират хола йиртиқ-ямоқ ва ҳар хил икир-чикир ишлар билан машғул бўлиб, кечгача Сидиқжоннинг олдидан жилмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Умуман, майда-чуйда, муҳим бўлмаган нарсалар. *Турмуш икир-чикирлари.* ▬ *Ўйлаб қараса.. йўлга чиққанида кўзига жуда катта кўринган бу ташвиш ҳозир кундалик икир-чикирлар қаторига кириб қолибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИККИ *снқ. сон* **1** 2 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Икки киши. Икки уй. Ўн иккидан иккини олмоқ. Саккизга иккини қўшмоқ.*

Бири икки бўлмайди. *қ.* **бир.**

2 Беш балли баҳо тизимида қониқарсиз, ёмон баҳо. *Иншодан икки олибди. Икки баҳо қўйибди.*

Икки гапнинг бирида Гап (суҳбат) орасида ҳадеб, тез-тез. *Режиссёримиз.. икки гапнинг бирида «таъбир жойиз кўрилса», деб туради!* А. Қаҳҳор, Санъаткор. **Икки дунё бир қадам** *қ.* **дунё 1**. **Икки оғиз гап** (*ёки* **сўз**) *қ.* **оғиз**. **Икки энлик** Икки бармоқ энига тенг. *Бердиев билан Шаймонов.. ўзларининг, устида икки энлик ёғи бор гўшт ейишларини оғиз кўпиртириб мақташар эди.* «Муштум». **Икки энлик хат** Жуда қисқа ҳажмли хат. *Ҳайрон бўлиб, патирни ушатдим.. ичидан икки энлик хат чиқди.* О. Ёқубов, Излайман. **Икки қўлни бурнига суқиб** *(ёки* **тиқиб**) *қ.* **бурун 1**.

ИККИЁҚЛАМА (*тўғриси* **икки ёқлама**) *қ.* **ёқлама.**

ИККИЛАМЧИ 1 *шв.* Иккинчи бор, яна қайта; иккинчи. *-Бор синфингга, иккиламчи бемаънилик қилма, — деди директор [Тўлага].* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Бойлар кир ювдиргани чақирганларида, эргашиб ё йўқлаб борган боласига қаттиқ-қуруқ текканларини кўрса, кирни кўз ёшлари билан ювиб келар, кейин ундай жойларга иккиламчи қадам босмай қўяр эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор жараён ёки ҳодисалар қаторида иккинчи ўрин тутадиган, иккинчи даражали. *Бундай конструкциялар.. предикативлик функцияларини, гарчи иккинчи планда бўлса-да, сақлайдилар ва шунинг учун ҳам улардаги предикатив алоқа иккиламчи характерга эга бўлади.* «ЎТА».

3 *флс.* Материалистик таълимотга кўра, материядан кейин, унинг ҳосиласи сифатида юзага келган, материядан кейинги. *Материя — бирламчи, онг, тафаккур — иккиламчи.*

4 *крш. с. взф. кам қўлл.* Иккинчидан. *Авваламбор, бу ерда бегона кимса йўқ! Иккиламчи, подшоҳ наздида биз ўлган одамлармиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИККИЛАНМОҚ 1 Икки нарсадан бири ҳақида муқим бир қарорга келмаслик, шундай ҳолатда бўлмоқ. *Қоровул чол идорада мажлис бўлаётганини айтган эди, остонада бирдан тўхтаб, кириш-кирмаслигини билмай иккиланди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *У «гуручни солсаммикан, солмасаммикан», деб иккиланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Умуман, бирор қатъий қарорга келмаган ҳолатда бўлмоқ, турли хаёлда бўлмоқ, турли хаёлга бормоқ. *Агар мендан оламда кимнинг таниш-билиши, ошна-оғайниси кўп, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай, муаллимларники дердим.* «Гулдаста».

ИККИЛИК I Ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўладиган, яхши томонга ҳал бўлиши гумон.

ИККИЛИК II **1** Икки дона холи, сурати бўлган (карта ҳақида). *Таппоннинг иккилиги.*

2 Икки мисрали (шеър банди, байт ҳақида).

3 Ёмон, икки баҳога арзийдиган, икки баҳога бажарилган. *Иккилик иш. Иккилик иншо.*

ИККИНЧИ Тартиб сирасида 2 рақами билан белгиланган; 2 номерли. *Иккинчи жилд. Иккинчи уй. Иккинчи қатор.* ▬ *Жувон.. узоқ адирнинг этагида қорайиб турган қишлоқни кўрсатди: -Иккинчи МТС ҳу ўша ерда.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Маълум тартибдаги предмет, воқеа-ҳодиса ва ш. к. қаторида энг олдингидан кейинги ўринда турган, биринчидан кейинги. *Иккинчи синф. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида.* ▬ *Далага биринчи куни 52, иккинчи куни 79 одам чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Айни бир нарсанинг тилга олинганидан бошқаси, кейингиси. *Мурод бир туфлисининг учини иккинчисининг товони билан босиб, чаққонлик билан оёқ кийимини олдида, уйга кирди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Улар бирбирлари билан ўчакишгандай, хурракни даража-бадаража оширишга тиришади: бирисиники авжга минганда, иккинчиси бошлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бошқа марта, қайта. *Бас, уятсиз махлуқ! Ким уни заҳарлайди? Бу гапни ман иккинчи эшитмай.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИККИНЧИДАН *крш. с.* Гапда санаб ўтиладиган предмет, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг

иккинчисини кўрсатишда «иккинчиси шуки», «яна бири шуки» каби маъноларни билдиради. *-Бойвачча, — деди элликбоши, — биринчидан, халққа нуқул фойдали иш.. иккинчидан, юрт тинчийди, учинчидан, номингиз кўтарилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИККИЧИ Икки баҳолар билан ўқувчи. *Қумри, сен мактабга кириб суриштириб чиқчи. Балки яна бирон иккичининг ота-онаси билан сўзлашиш керакдир.* «Саодат».

ИККИЮЗЛАМА 1 Ўнг-терси бир, икки томони ҳам бир хил. *Иккиюзлама шойи.*

2 *кўчма* Унга бошқа, бунга бошқача сўзлайдиган; икки томонга икки хил муомала қиладиган; мунофиқ, риёкор. *Иккиюзлама одам.* ▬ *Аҳмад унинг иккиюзлама эканлигини яққол сезса ҳам, кескин гапиролмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ИККИЮЗЛАМАЛИК Иккиюзлама одамга хос хатти-ҳаракат, хусусият. *Иккиюзламалик, худбинлик.. кишида инсоний ҳисни ўлдиради.* Газетадан.

ИККИЮЗЛАМАЧИ *с.т. айн.* **иккиюзлама 2.** *Хўжакўрсинга қилинадиган ҳаракат эса одамни бора-бора иккиюзламачи, ёлғончи.. қилиб қўяди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК *айн.* **иккиюзламалик.** *..ўғрилик, иккиюзламачилик ва шунга ўхшаш сифатлар эзувчи синфнинг вужудга келиши билан пайдо бўлди.* Газетадан.

ИККИҚАТ *с. т.* Ҳомиладор. *Иккиқат аёл.* ▬ *Тўртинчи боласига иккиқат бўлганда.. ҳар хил йўриқлар ўргата бошладилар.* Ойдин, Ҳикоялар.

ИККИҚАТЛИК *с. т.* Ҳомиладорлик. *-Бора-бора қорним дўппайиб, иккиқатлигим ошкор бўлди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИККОВ Икки киши ёки иккита нарса бирликда; ҳар икки одам ёки нарса. *Икки танқидчи ялт этиб бир-бирига қаради ва бу қарашда икковининг ҳам кўнглидан бир гап ўтди: «Бола ҳам шундай ўжар бўладими?»* А. Қаҳҳор, Ўжар. *Икковлари бир сандиқ четига ёнма-ён ўтириб.. секин-секин сўзлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИККОВЛАБ *шв.* Икковлашиб. *Икковлаб сен, ота, қилдинг зулмни, Сўрамадинг икковинг ҳам кўнглимни.* «Ёдгор».

ИККОВЛАШИБ Икки киши бирга (бир бўлиб). *Ярим кечадан ўтганда, Омон уйғотди. Икковлашиб оёқ учи билан оғилхонага кирдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Орадан кўп ўтмай, икки фаррош арк дарвозасидан югуриб чиқиб, икковлашиб ҳалиги занжирни кўтариб, йиғиштириб, бир томонга элтиб қўйдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ИККОВЛОН *кам қўлл.* Иккаласи, икки киши биргаликда; икков. *Қайтадан қўл ушлашиб, Семурғ билан хушлашиб, Ажралдилар икковлон.* Ҳ. Олимжон, Семурғ.

ИККОВОРА Икки кишига битта, икки кишига бир (тўй, зиёфат ва ш. к. да меҳмонларга идишда тортилган ош-таом ҳақида). *Ош икковорадан тортилди. Иккоовора-иккоовора бўлиб олаверинглар.*

ИКОНА [*юн.* eikon — тасвир, тимсол] Христиан динидаги диндорлар ибодат маросимларида чўқинадиган Исо, Биби Марям, авлиёлар, фаришталарнинг муқаддас тасвири. *Ўрта асрларда.. икона тайёрланадиган марказлар вужудга келган.* «ЎзМЭ».

ИКРА [*р.* икра < *лот.* iecur — жигар] **1** Балиқ уруғи (тухуми); увулдириқ. *«А» витамини балиқ мойида, тухум сариғида.. жигарда, икрада бўлади.* М. Тўйчиев, Витаминларни унутманг.

2 Шу уруғдан тайёрланган таом. *Тухум, икра, ёғли шўрва, қази ва мол ёғини кўп истеъмол қилиш атеросклероз касаллигининг ривожланишига сабаб бўлади.* Ғ. Маҳкамов, Саломатлик гарови. *Патнисда ноёб балиқ, икра, янги бодринг.. анча нарсалар бор эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 Тўғралган бақлажон, пиёз, помидор ва ш. к. лардан тайёрланган қовурма таом.

ИКРОМ [*а.* إكرام — иззат, ҳурмат] **1** *кт. кам қўлл.* Ҳурмат, иззат. *Қилган иззат ва икромларингиз учун раҳмат!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Икром (эркаклар исми).

ИКС 1 Лотин алифбосида охиридан учинчи ҳарф — «X» нинг номи.

2 *мат.* Шу ҳарф билан ифодаланган номаълум (қидирилаётган) миқдор. *Иксни топмоқ.* ▬ *Икс, игреклар кўзим олдида пирпир учади-ю, миямнинг ёнгинасидан ғизиллаб ўтиб кетади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ИКСИР [*а.* إكسير — эликсир; афсонавий тош] Ўрта аср кимёгарлари тасаввурида ҳамма нарсани олтинга айлантира оладиган афсонавий тош.

ИЛА *кт. қ.* **билан.** *Бой ила хизматчи.* ▬ *[Кумуш] ..мактубни ўқиб тамом қилди-да,*

жонсиз бир товуш ила «уятсиз» деб қичқирди ва ерга йиқилиб, ўзидан кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИЛАКИШМОҚ Хиралик билан илинжида бўлмоқ, кетида юрмоқ. *Билсам, бир ўрис хотинга илакишиб қолибдилар.* Газетадан. *Нега Қирмизхонга илакишиб қолдинг, ёз аризангни!* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ИЛАЛАБАД [*а.* إلى الابد — умрбод, абадий] *рвш. кт.* Абадий, бир умрга. *Мен аркони давлат ва амирлар билан ҳазиллашмоқни илалабад тарк этдим.* Ойбек, Навоий. *Дейдики: сен билан биз Илалабад яшаймиз, Дилда ирода, сабот.* Шайхзода.

ИЛАНГ-БИЛАНГ Эгри-бугри, у ёқ-бу ёққа эгилган, бурилган. *Мастон иланг-биланг йўлни қолдириб, мўлжаллаган тепаликка қараб тикка йўл солди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

ИЛАС-ИЛАС *рвш. айн.* **элас-элас.** *Бу воқеа илас-илас ёдимда.*

ИЛАШИМЛИ(К) Қўшилиб, аралашиб, қовушиб кетаверадиган хусусиятли. *Тўрахўжанинг уддабурон, илашимлигина, сўзамоллиги, айниқса, қизларга ширинсуханлиги Пошша холани ўзига ром этиб қўйганди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ИЛАШМОҚ 1 Илинмоқ, ёпишмоқ (хасчўп, лой ва ш. к. ҳақида). *Унинг этагига пахта илашибди. Яхшига ипак илашур, ёмонга — тикан.* Мақол. ▬ *Шунда қўлига шилимшиқ лой илашганини сезди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бир қути сигаретга илашиб, чўнтагимдан «Москвич»нинг калити ҳам чиқди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *У этакка илашиб қолган пахталарни қоқаётганда, бошидаги чопон бирдан сирғалиб тушиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Ёпишмоқ. *Мен судхўрман, бу ўғри, Ўроқдан ҳам биз тўғри. Бизга илашганларнинг Ўтдек ёнади гўри.* Ҳамза. *Ёшликдан илашган иллат ҳали кўп мункитади.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди.

3 *салб.* Кетидан юрмоқ; эргашмоқ. *Унсин индамади, орқасидан илашиб кўчага қадар чиққан Хайринисонинг сўзларини ҳам эшитгиси келмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Кетидан қолмай (бирон мақсадда) юрмоқ; айланишмоқ, илакишмоқ. *-Пулимни олдириб қўйдим. Ёнимда мана шу йигит илашиб юрган эди, гумоним шундан, — деди Султон..* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Жиянингизга бир қизми, жувонми илашиб юрган эмиш, шу ростми?* С. Нуров, Нарвон.

5 *кам қўлл.* Биргалашиб, уланиб кетмоқ; қовушмоқ, қўшилмоқ. *Мен меҳмонлар билан сирдош оғайнилардек илашиб кетдим.* И. Ўктамов, Ҳикоялар. *Деярли ҳамма билан илашиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Гап-сўз бирбирига илашмади: чол олдида хотинлар ҳақида сўзланилмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўзга илашмоқ Зўрға кўринмоқ, кўзга чалинмоқ.

ИЛВАСИН Гўшти учун овланган ёки овланадиган ёввойи паррандалар. *Илвасиндан ўзбек пазандалигида бедана, каклик, тустовуқ жуда ноёб масаллиқ тарзида ишлатилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Гўрўғли.. Ховдакнинг кўлига овга чиққан эди. Илвасинларни кўп олиб, Чамбил қальасига қараб кетиб бораётган эди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

ИЛВИРАМОҚ 1 Йиринг-сув олиб кетмоқ. *Яраси илвираб кетибди.*

2 *кўчма* Путурдан кетиб, зўрға илиниб турмоқ; эскириб, яроқсиз ҳолга келмоқ. *..уч қишлоқда тузишга тўғри келади колхозни, иш илвираб турибди..* Ҳ. Шамс, Душман.

ИЛВИРС 1 *зоол.* Мушуксимонлар оиласига мансуб, баланд тоғларда яшайдиган, қоплонга ўхшаш йиртқич ҳайвон.

2 *кўчма* Сездирмай пайт пойлаб келадиган, зимдан иш битирадиган одам ҳақида.

ИЛГАК 1 Илиб, осиб қўйиш, илиб беркитиб қўйиш учун хизмат қиладиган, бир учи қайрилган металл мослама, илмоқ. *Тонг отишга яқин қадам товушлари эшитилиб, қалин эшикнинг темир илгаклари шақирлаб очилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Гапимизга тағин биров халақит бермасин, деб эшикнинг илгагини солди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Илиб олиш (илиб кўтариш, тортиш ва б.) учун хизмат қиладиган нарса, мослама. *Бирдан машина мотори гуриллади. Кўтарма краннинг тўртта илгагини қотиб қолган алебастрнинг тўрт чеккасига илиб қўйишди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Пўлатжон ўртадаги сепояда туриб, симга илгак солиб тортди-да, ходага маҳкам боғлаб, кейин қўйиб юборди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Бирор нарсани, мас., кийимни илиб, осиб қўйиш учун хизмат қиладиган нарса. *-Нега халатсиз кирдинг, болам? — дея Хосият хола бурчакдаги илгакдан оппоқ халат-*

ни олиб, Муҳиддинга кийгиза бошлади.. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 *шв.* Тугма, тўғноғич.

5 *кўчма* Бирор нарсага шама (ишора) тарзидаги сўз, гап; илмоқ. *Терговчи сидқидилдан айтган эди, бобо, илгак ташлаяпти, деб ишонмади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

6 Ғаразли мақсаддаги гап, сўз, хатти-ҳаракат ва ш. к. *У [Абдубилол] илгак топиб, мажлисни бузиш, ҳеч бўлмаганда, одамлар орасига шубҳа солишни ўйларди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ИЛГАКЛАМОҚ Илгакни илиб беркитмоқ. *-Бу киши ким бўладилар? — деди Тиллаевнинг хотини, унинг орқасидан бориб, эшикни илгаклаб қайтаркан.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ИЛГАРИ 1 Ўтган вақтлар(да), ҳозирги вақтдан олдин; бурун. *Шаҳарда илгари кўнкани от сургар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Илгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса, энди атрофлича ўйлаганда, ҳазилакам эмаслиги равшанлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Урганч шаҳрига илгари фақат туя карвонлари билан борилар эди.* Газетадан.

2 Биринчи навбатда; олдин, аввал. *Қўрқоқ илгари мушт кўтаради.* Мақол. ▬ *Аширбек илгари, Вафобек кейин, Оқлабди қирқ йигит берган тузимни.* «Юсуф ва Аҳмад».

3 Олдинги ўринда; олдин(да). *Кетаётир Ойпари ҳамма қиздан илгари.* «Фольклор». *Ҳудайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни огоҳлантириб борар..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Олға томон; илгарига, олд томонга. *Ўлган, ярадор бўлганларга қарамай, қўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, тошбўронни кучайтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қудрат билан Ғуломжон ҳам бир неча одим илгари юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўрғон устида ясов тортган қаҳрамонлар қўл боғлаб, икки букилгансимон таъзим билан Азизбекни илгарига ўтказа бошладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кўм. взф.* Нарса, ҳодисанинг ўзи боғланиб келган сўз, сўз бирикмаси билдирган вақт, хатти-ҳаракат ва ш. к. дан олдинга оидлигини (шундай муносабатни) билдиради. *Тўйдан илгари ноғора чалмоқ. Ҳаммадан илгари эшитдим.* ▬ *Амирга инқиёд этишдан илгари шу тўғрида жавоб берсангиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бундан бир неча соат илгари қайғудан бошқа овқатни танимаган бу икки ёр энди севиниб, иштаҳа билан ея бошладилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

Илгари босмоқ Яхши томонга ўзгармоқ, юришиб кетмоқ. *Иши ўрин олди илгари босиб, Йўлим бўлди, деди кўнгли ўсиб.* «Баҳром ва Гуландом». **Илгари куни** Бугундан икки кун олдинги кун. *Илгари куни кечаси чопар келгандан бошлаб кеча кечаси ҳокимнинг кўнглини олгунча ўзини қилкўприк устида сезган.. мингбоши, мана, эндигина эркин нафас олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Илгари сурмоқ** Янги фикр-мулоҳаза билдирмоқ, уни кун тартибига қўймоқ. *Абулвафо.. Хуросонда таваллуд этганлар.. ҳисобу ҳандаса соҳаларида янги илмий масалаларни илгари сурдилар ва талай рисолалар яратдилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Биз илгари сураётган тахминлар фандаги илмий фаразлардек гап.* С. Кароматов, Олтин қум.

ИЛГАРИГИ 1 Ўтмиш вақтдаги, ўтмишга оид; аввалги, бурунги, қадимги. *Илгариги одамлар анча содда, раҳмдил.. эканини дилидан ўтказди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Яқин ўтмишдаги, нисбатан олдинги; бошдаги, дастлабки. *Уч дақиқали курашдан сўнг, Мутал бўшашди, илгариги кучанишларидан қолди ва бир-икки дафъа тўлғаниб, жимгина жон берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дарҳақиқат, Малакда илгариги чақнаш, илгариги жозиба, илгариги ҳаяжон сўнган эди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир. *Аваз илгаригидан баттарроқ шиддат билан давом этди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *айн.* **собиқ.** *Кейинги йилларда.. партия ячейкасининг котиблигига кўтарилган Абдурасул илгариги хўжайини Олахўжа ва унинг шерикларини кўпроқ ташвишга солиб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЛГАРИГИДАЙ, -дек *рвш.* Аввал қандай бўлса шундай, аввалигидай, ўзгаришсиз. *Аҳвол илгаригидай. Биз яна илгаригидай иноқ бўлиб кетдик.*

ИЛГАРИГИЛАР Аввал, илгари ўтган (яшаган) кишилар, аждодлар, қадимгилар. *Бу илгаригилардан қолган гап.*

ИЛГАРИДАН *рвш.* **1** Ўтган вақтлардан; аввалдан, азалдан. *Акам ёшлик қилгандир, ҳам ўзи унча-мунча гапни кўтармайдиган йигит, илгаридан феъли шундоқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Илгаридан қолган бир нақл*

бор: Қўл югуриги – ошга, тил югуриги – бошга. «Баҳром ва Гуландом».

2 *айн.* **олдиндан.** *У бу пулни илгаридан тайёрлаб қўйган бўлса керак, ёнидан олдию, санамай узатди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ИЛГАРИЛАМОҚ 1 Илгари қараб юрмоқ, олға томон ҳаракат қилмоқ, силжимоқ. *Сувонжон ҳамон олдинда қоматини букиб, боши билан бўронни сузиб, елкалари билан ёриб илгариларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қум йўлда зўриқиб илгарилаётган машина қаттиқ силкиниб тўхтади, ўчди.* «Ёшлик».

2 Олдинга ўтиб кетмоқ, ўзмоқ. *У биздан анча илгарилаб кетди.* ▬ *Кончилар мармар увоғи ва плиталари тайёрлаш топшириқларини бажаришда ҳам графикдан илгарилаб боришяпти.* Газетадан.

ИЛГАРИЛАР(И) Илгариги вақтларда; бурун. *Илгарилари одамлар оёғи етмаган ерлар энди гуллаб-яшнамоқда.*

ИЛГАРИЛАШМОҚ 1 Илгариламоқ фл. бирг. н. *Овчилар хийла илгарилашди.* ▬ *Яна эмаклаб илгарилашди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *айн.* **илгариламоқ**. *Илгарилашган сари базмнинг бутун дабдабаси аниқроқ сезилиб, Ёрматни безовта қилаверди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЛГАРИТДАН *с. т. айн.* **илгаридан.** *Ростини айтсам, Саид, мен сени илгаритдан.. яхши кўраман, ўғлим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ИЛГИР *шв.* Ўз ишининг устаси; эпчил, чаққон. *Илма ҳам осон эмас, Уни тикар қиз илгири.* «Қўшиқлар».

ИЛГИЧ Илиб олиш, илиш учун ишлатиладиган асбоб; илмоқ, илгак. *Қиёмхон секин ўрнидан туриб, илгичга яқин борди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ИЛДАЙ *шв.* Олдин. *Ундан илгай менга ҳам ўлим лозим, Оқилган қонига тушмасин кўзим.* «Эрали ва Шерали».

ИЛДАМ *сфт.* Тез ҳаракат киладиган; чаққон, тез. *Илдам йигит. Қўли суст косибдан оёғи илдам гадой яхши.* Мақол. ▬ *Карим читтак – кичкина, лекин ҳаракатлари чаққон ва илдам бўлганидан, ёшликда шундай лақаби бор эди, ҳозир кимсан – Мирзакаримбой.* Ойбек, Танланган асарлар. *Рўпарадаги кўркам уйлардан яхши кийинган, ранглари тоза, серғайрат ва илдам аёллар қўлларида идишлари билан қозон бошига қатнаб турибдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Навкар минар илдам отни.* «Гулнорпари».

2 *рвш.* Чаққон ва тез ҳаракат билан. *Фазлиддин отни илдам чиқариб, дарахтга боғлади..* Ойбек, Танланган асарлар. *[Салимбойвачча] Ички чўнтагидан қоғозга ўралган заҳарни олиб, титроқ қўллари билан ошга сепди ва қошиқ билан илдам аралаштирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Илдам, илдам қадам ташланглар!* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *унд. с.* Чаққон, тез ҳаракатга ундашни билдиради. *Қани, илдамроқ, хўжайин кутяпти..* С. Кароматов, Олтин қум.

ИЛДАМ-ЖИЛДАМ Тез ҳаракат қиладиган, тез юрадиган; чаққон. *У илдам-жилдам йигит. Илдам-жилдам иш қилмоқ.*

ИЛДАМЛАМОҚ Тез олға босмоқ, илгари томон ҳаракати тезлашмоқ. *Гўё наврўз томошаларига кеч қоладигандек, илдамлаб, бозор сари шошдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Акбар минган оқ эшак илдамлади.* «Саодат».

ИЛДАМЛАШМОҚ 1 Илдамламоқ фл. бирг. н. *Улар пахтазор томон илдамлашди.*

2 Илдам тус (ҳолат) олмоқ; тезлашмоқ. *Қишлоқ кўчаси товонларини куйдиргандек, жангчиларнинг одимлари ўз-ўзидан илдамлашди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бутун хонадонлар ва кўчаларда, далалар ва хирмонларда одамларнинг қадамлари илдамлашган, аравалар, машиналар ғилдираги тезроқ айлана бошлаган эди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ИЛДАМЛИК Чаққон (тез) ҳаракат; чаққонлик. *Хударбек яна илдамлик билан қайтиб чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..бармоқлари пардалар устида кўз илғамас илдамлик билан кўчар, гўё куй ўзидан-ўзи қуйилиб келарди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

ИЛДИЗ 1 Ўсимликнинг ердан сув ва ўғит моддалар олиб берадиган ер ости қисми; томир. *Илдиздан кўкарган дарахт.* ▬ *Қайрағоч, теракларнинг илдизи ер бағрига қаттиқ синган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дарахтнинг бўйи қанча чўзилса, илдизи ҳам шунча чуқур кетиши керак.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 Тиш, соч, тирноқ кабиларнинг тери ёки эт орасида жойлашган қисми, томири. *Тишнинг илдизи.* ▬ *Кампирнинг бир тутам оппоқ сочи илдизи билан юлиб олинган.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Асос, негиз, манба. *..қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурили-*

шига татбиқ этмоғимиз керак. Газетадан. *..шубҳа-хавотирларнинг илдизларини қидиришга мажбур этади.* Газетадан.

Илдиз отмоқ *(ёки* **олмоқ**, **ёймоқ**) 1) илдизи ҳар томонга ўсиб, бақувват тортмоқ (ўсимлик ҳақида); 2) *кўчма* авж олмоқ, ривожланмоқ; кенг тарқалмоқ, одатга айланмоқ. *Бу ҳол ҳамма ёққа илдиз ёйган.* ■ *Олий ўқув юртларида эса ота-онанинг мансабига, ҳамёнига қараб ўқишга қабул қилиш ҳоллари илдиз отиб кетган эди.* «Муштум». *Энди билсам, эҳ-ҳа, бошимиздаги шўр жуда чуқур илдиз отиб кетган экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) муайян масканга жойлашиб, ўрганиб, шу ерда уй-жойли, бола-чақали бўлиб яшаб кетмоқ. *Бу қишлоқ сувини бир ичган одам, тамом, шу ерда.. илдиз отиб кетмай иложи йўқ.* Ф. Насриддинов, Олтин одамлар. **Илдиз қувмоқ** 1) томирини, келиб чиқиш манбаини ахтармоқ; 2) наслдан наслга ўтмоқ, суяк сурмоқ (одат-қилиқ, касаллик ҳақида). **Илдизи бақувват** (*ёки* **маҳкам**) 1) илдизи яхши ривожланган; 2) *кўчма* кучли қўллаб-қувватловчиларга эга, мавқеи зўр. *Пошшахон савдо соҳасида ишлайдиган айрим илдизи маҳкам кишилардан таниш-билиш орттирди.* Д. Нурий, Осмон устуни. **Илдизига болта урмоқ** Ҳаёт асосини йўқ қилмоқ. *У [Йўлчи] зулм илдизига болта урди. Иншоолло, зулм дарахти қурийди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эскича тўйлар, исрофгарчилик айрим пайтларда оила илдизига болта урувчи сарқит экан..* Газетадан. **Илдизини қуритмоқ** (*ёки* **қирқмоқ**) Таг-туби билан йўқ қилмоқ. *Маждиддин разолатининг фош этилиши, шубҳасиз, катта иш бўлди. Лекин унинг илдизлари ҳали қирқилган эмас.* Ойбек, Навоий. *Лаънати жаҳолатнинг қон томирларимизда, юрак-бағримизда заҳар сочиб ётган манфур илдизлари қирқиладиган ёруғ кунлар ҳам келармикин?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ўқ илдиз, ўқилдиз** Ерга тўғри (тик) йўналувчи йўғон (бақувват) илдиз.

4 *мат.* Маълум бир даражага кўтарилганда, ўз-ўзига кўпайтирилганда, берилган сонни ҳосил қиладиган сон; радикал. *Тўққизнинг квадрат илдизи — уч. Илдизини топмоқ.*

ИЛДИЗЛАМОҚ Томир ёймоқ, томир (илдиз) қўйиб ўсмоқ.

ИЛДИЗМЕВА Баъзи ўсимликларнинг озиқ-овқат ёки ем-хашак сифатида ишлатиладиган йўғон, гўштдор илдизи.

ИЛДИЗМЕВАЛИ Илдизмева берадиган. *Илдизмевали ўсимликлар.*

ИЛДИМ-ЖИЛДИМ *с.т. кам қўлл. айн.* **илдам-жилдам**. *Ҳасанча ёмон йигит эмас, илдим-жилдим, билмадим, нима сабабдан ўртоқ Қобиловга ёқмаётган экан.* С. Маҳкамов. Дала тонги.

ИЛЖАЙМОҚ Овоз чиқармай, лаб ва юз-кўз ҳаракати билан кулги ифода қилмоқ, мийиғида кулмоқ, кулгига ўхшаш ҳолат ифода қилмоқ. *Обиджон акасининг ёнида ўтириб, нима қилишини, нима дейишини билмас, дам-бадам унинг елкасини ушлар ва илжаяр эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гулсум номус қилгандек илжайиб, пастга қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Ҳай, майли, олам кезган нозикфаҳм шоирсиз. Қулоғим сизда, гапираверинг, — деди хунук илжайиб.* К. Яшин, Ҳамза.

ИЛЖИРАМОҚ Қовжираб сўлмоқ, ранг-туси ўзгариб сўлжаймоқ. *Ҳовлилардаги совуқ урганидан қорайиб, илжираб кетган бултурги гуллар қор тагидан шумшайиб бош чиқарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИЛИГУЗИЛДИ Эрта кўкламда қўр-қут тугаган, ҳали ҳеч нарса пишмаган, киши организми дармондориларга эҳтиёж сезадиган давр. *Айёр бой [Солибой] қиш ва илигузилди — баҳор кезларда ўн бордон ғаллани деҳқонларга бўлиб бериб, кузда яна йигирма бордон қилиб йиғиб олар эди.* Ё. Шукуров, Қасос.

ИЛИК 1 *эск. айн.* **қўл 1** (асосан эгалик қўшимчалари билан қўлланади). *Сабр айласанг, муродингга етарсан, Насиб бўлса, ёр илкидан тутарсан.* «Тоҳир ва Зуҳра». *..Хитой қизлари мўғул йигитлари илкига тушмаслик учун ёниб турган уйлар ичига ўзларини урганларини ўз кўзим билан кўрдим.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Сизга менинг маслаҳатим — Андижонда кўп турманг. Иликка тушиб қолурсиз.* П. Қодиров. Юлдузли тунлар.

2 Болдир суяги, оёқнинг тиззадан тўпиққача бўлган қисми. *Яна бу оёқ ё илигидан, ё тиззасидан қирқилган бўлса ҳам майли эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Ҳа, кўчага чиқмайсан, эшитдингми? Ҳой бола! Илигингни синдираман-у, касалингни боқиб ўтиравераман.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

3 Одамлар ҳамда қўй, мол ва ш. к. ҳайвонлар оёқларининг ичида мойсимон модда бўлувчи қисми; ана шу қисмнинг (гўшти билан) пиширилгани. *-Қани, баррадан олинг,*

ўғлим, — деди у илик узатиб. — Қўрқманг, бу парранда этидай енгил ҳазм бўлади. А. Мираҳмедов, Қўйлар қўзилади. *Махсум еб тозаланган иликни аста дастурхонга қўйдида, ҳаяжон ичида бақрайиб ўтирган Бобоқулга тикилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Шу суяк ичидаги мойсимон модда, тўқима (истеъмол этилади ва ниҳоятда қувват-мадор бўлувчи таом сифатида қаралади). *Яна бундай тўқималар пайсимон суяклар ичидаги илик, япалоқ суяклар орасидаги мижик ва кемик деб аталувчи ёғлардан ҳам иборат бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *-Бўлмаса, иликини сиз қоқиб енг, дада.. — деди ўғил.* Р. Файзий. Сен етим эмассан.

Илиги бақувват (*ёки* **тўқ**) Куч-мадори яхши, куч-қувватга тўла; бўлиқ. *..қопни бир ҳамла билан орқага олиб, дадил кўтарилдию, ғизиллаб юриб кетди. Саксон ота орқадан қараб қолди ва ичида деди: «Илиги бақувват экан!».* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ҳаким ака ҳар йилгидек бу йил ҳам ғўзани ёшлигидан «илиги тўқ», бақувват қилиб ўстириш учун ҳаракат қилмоқда.* Н. Рихсиев, Миришкор. **Илиги пуч** (*ёки* **пучаймоқ**) Тинка-мадори қуриган; нимжон бўлиб қолмоқ. *Ахир бечораларнинг ишлаши учун ҳам куч-қувват, мадор керакку. Илиги пучайиб қолган одам нима ишга ярайди?* М. Ҳазратқулов, Журъат. **Илиги тўла** (*ёки* **тўлмоқ**) Етарли куч-қувватга эга, етарли куч-қувватга эга бўлмоқ. *Ўтга яхши ўраниб, илиги тўлгандан сўнг ажратдим.* С. Анорбоев, Оқсой. *Темиртош эса ҳокимнинг кийими остидан билиниб турган мушакларига қараб, «Мой билан гўштни кўп еб, илиги тўлган», деб ўйлади.* М. Осим, Карвон йўлларида. **Илик узилди** *қ.* **илигузилди.** *Кўклам чоғи, илик узилди палла, одамнинг силласи қуриб, лоҳас бўлаверадиган кунларнинг бири.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. **Илик ювмоқ** *эск.* Қўл ювмоқ, алоқани узмоқ; кечмоқ. *Қолмади ҳурмат аҳли оламда Оламу олам аҳлидин юв илик.* Бобур.

ИЛИ-МИЛИҚ *айн.* **илиқ-милиқ**. *Бирданига чўлнинг ҳавоси ўзгарди, эрта куз бўлишига қарамай, эсиб турган или-милиқ шабада ўрнига қандайдир димоққа хуш ёқадиган, боғлардан эсаётган ёқимли шамол кела бошлади.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ИЛИМОҚ Бир оз исимоқ. *Сув илиди.* ▬ *Осмонимиздаги булутлар тарқалиши билан, танамиз илийди, жонимиз тинчийди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Ичи илимаслик Кўнгли тўлмаслик; хотири жам бўлмаслик. *Сира кўнглим чопмас бу юришингга. Сира ичим илимайди қилган ишингга.* «Ёдгор». **Кўнгли** (*ёки* **меҳри, юраги**) **илимоқ** Меҳри товланмоқ, меҳр ҳисси уйғонмоқ. *Кечқурун дастурхон.. устида бола йиғлаб берди. -Ол, эмиз.. — деди Орифжон. Кўнгли илиб кетди.* А. Мухтор, Чинор. *Ўгай онам уч фарзандли бўлди. Болаларни қийналиб туққан бўлса ҳам, бизларга меҳри илимади.* Газетадан. *Она.. совуқ гапдан ўзини бир зум йўқотиб қўйди. Кейин, она экан, юраги илиб, боласини қучоқлагани югурди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ИЛИНАРЛИ: қўлга илинарли Ишлатиш (яратиш) учун арзигудек; ароқли. *Сотиш учун қўлга илинарли ҳеч нима йўқ.* Ойбек, Навоий.

ИЛИНЖ Етишиш умиди, кўзланган дард-мақсад; умидворлик. *Муҳаббатни билармиди? Илинжи пул.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кунлардан бир куни Зокирхўжа қассоб Абдурасулдан от сўрайди. Абдурасул ундан гўшт қарз олиш илинжи бўлганидан, «йўқ» деёлмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Асар қаҳрамонлари бир-бирларидан жудо бўлган бўлсалар-да, қандайдир илинж билан яшайдилар.* Газетадан. *У Чарос ҳақида тоғасидан бирон гап эшитиш илинжида эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Менинг бу уйда шу боладан бўлак илинжим йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИЛИНМОҚ 1 Илмоқ I фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Кўчада кетаётган бир хотиннинг юпқа хитойи зонти қўлидан учиб кетиб, парашютдай лапанглаб борди-да, бир дарахтга илинди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Деворий газеталарнинг имтиҳонга бағишланган янги сонлари илинди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Тушмоқ, тутилмоқ (тузоқ, қопқон ва ш.к. га). *Қармоқларга битта ҳам балиқ илинмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Овчи аста-секин тўрнинг ипини тортибди, ҳамма каптар тузоққа илинибди.* «Чалпак ёққан кун».

3 *кўчма* (ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсага) Дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ. *У кун Нурнисонинг ҳийласига илиниб.. сўнг қочаркан..* Ойбек, Танланган асарлар. Ҳ*а, бу Мастура яллалар тузоғига илинган пок, бегуноҳ қизларнинг тақдири ҳақида йиғлаб-йиғ-*

лаб китоб ёзса бўлади. К. Яшин, Ҳамза. [*Тўғонбек*] *Баъзи қассоблардан, ошпазлардан бир неча динор қарзга ҳам илинади.* Ойбек, Навоий.

4 (ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсага) Улгурмоқ, эришмоқ, олмоқ. *Ўзинг-ку, зўрға учга илиниб юрибсан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳа.. пича рўмол олувдик, эпчиллар илиниб, эпсизлар қуруқ қолди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Медалга илинганлар, ҳар қалай, [ўқишга] жойлашиб кетади.* С Зуннунова, Янги директор. *У Бухорода жой топиб, тузуккина маошга илинганидан хурсанд бўлди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

5 *кўчма* Ўз ҳолати, мансаби ва ш.к. да зўрға турмоқ; кетай-кетай деб турмоқ. *Илиниб турганингни биласанми, раис.. энди сен ҳақиқий раис эмас, собиқ раиссан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ақраб, қора совуқ ойида Бухорода ўлим кўп бўлди — баъзи илиниб юрган кексалар куз япроғидек чирс-чирс кета бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Ушлаш, кийиш ва ш.к. даражасига етмоқ, ярамоқ. *Соқолингиз устарага илинмайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ўроққа илинмаган майсаларни қўй чилпигандай битталаб юлиб оламан.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мен пул берай, шу атрофдан оз-моз дуруст, оёққа илинадиган бир нарса топиб беринг.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Ўзи ишлатмай, ўзгага бермоқ ёки атаб сақлаб қўймоқ (асосан таом ҳақида). *Шер косасидаги иликни бобосига илиниб олиб кирса, у киши бош чайқайди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Уйидан посилка олган экан, менга ҳам илинибди: озгина ширин толқон, майиз.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

Кўзга илинмоқ 1) кўзга ташланмоқ, кўринмоқ. *Ёмғир бетиним ёғар, лекин унинг томчилари чанг зарраларидек кўзга илинмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўтарилиб, обрў орттириб, маълум-машҳур бўлмоқ; кўзга кўринмоқ. *Ишда ҳам Назаров тез кўтарилди. Саидғози бўлса четкада, кўзга илинмай қолиб кетаверди.* С. Анорбоев, Оқсой; 3) эътиборни ўзига тортмоқ. *Қизалоқ кўзга илинадиган бўлиб қолибди.* **Кўзи илинмоқ** Кўзи уйқуга кетмоқ. *Кўзи энди илинганда, сапчиб ўрнидан туриб кетар, болалари устини ёпиб қўяр, кейин девордаги соатга қарарди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. **Пичоққа илинадиган** Бирор нарса учун маъқул бўладиган, ярайдиган, яроқли. *Умуман.. молларнинг пичоққа илинадигани йўқ ҳисоб.* «Муштум». *Хуллас, ўйлаб турсам, зикр қилинган Шариповлар ичида пичоққа илинадигани темир-терсак мудири. Тожибой Шарипов экан.* Газетадан. **Тилидан** (*ёки* **гапидан, оғзидан, сўзидан**) **илинмоқ** Ўз гапи (сўзи) билан ўзини фош қилиб қўймоқ. *Бой ота.. мен Суярни терговчи тўранинг олдига олиб борай. Бир умрида терговчига сўров бермай юрган одам ўз тилидан илиниб ўтирмасин.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Тумшуғидан илинмоқ** Қўлга тушмоқ. *Муғамбир тумшуғидан илинар.* Мақол.

ИЛИНЧОҚ *с.т.* Кишини тутиб, боғлаб турадиган нарса ёки кимса. *Менинг бу жойда ҳеч илинчоғим йўқ.* ▬ *Саодатим.. дунёда фақат сизни деб юрибман. Сиздан ўзга илинчоғим йўқ.* И. Раҳим. Ихлос.

ИЛИҚ 1 Бир оз, сал-пал иссиқ. *Илиқ сув. Илиқ шабада.* ▬ *У илиқ чойдан шошилмай ҳўплар экан, ўйларди..* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Тантана куни ҳам етиб келди. Бу кузнинг очиқ ва илиқ бир куни эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Ёқимли, хуш келадиган. *Илиқ сўз. Илиқ суҳбат. Илиқ муомала.* ▬ [*Майна*] *Ошиқ йигитларнинг кўзлари ва илиқ табассумлари ҳақида зимдан ўйлаб, яна ўзидан-ўзи уялиб кетарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Муҳаммаджонга доим илиқ муомала қиладиган Зуфар Ҳакимович бугун нега қўл бериб кўришмагани мана шу истеҳзоли саволдан билиниб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИЛИҚ-ИССИҚ 1 Унча иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас, бир оз иссиқ. *Эрта баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари бошланди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *кўчма айн.* **илиқ 2.** *Ҳаяжондан, бедорликдан мадори қуриган аёлни юпатадиган юмшоқ муомала, илиқ-иссиқ сўз керак эди.* А. Мухтор, Опа сингиллар.

Илиқ-иссиғида Вақти ғаниматда; ўз вақтидан ўтказмай, фурсатни қўлдан бермай.

ИЛИҚЛИК Илиқ ҳолат, илиқ ифода. *Чолнинг қиёфасида кишини ўзига тортувчи аллақандай илиқлик бор эди.* Ф. Мусажонов, Пушаймон. *Пошша холадан бунчалик илиқликни кутмаган Дороббекнинг ранги қочган юзлари ёришиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ИЛИҚ-МИЛИҚ *с. т.* Бир оз илиқ. *..ичкари кирди, илиқ-милиқ шавлани косага сузди.* А. Мухтор, Чинор.

ИЛИҚМОҚ 1 Шаҳвоний нафсни қондириш иштиёқида эргашмоқ; куюккан канжиққа (итга) илашмоқ.

2 *дағл.* Бирор аёлга ҳирс қўймоқ, шу мақсадда интилмоқ, илашмоқ. *Бойнинг бошқарувчилари орасида оймисан ой, кунмисан кундай Бибиқатча деган қиз бўлар эди. Аллонбийнинг шунга илиққан йиллари икки хотини бирдан ўлди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ИЛИҒЛИК Илиб қўйилган, илинган ҳолатда. *Сураткашнинг дўкони деразасида фотосиям илиғлик турарди..* М. М. Дўст, Лолазор. *Мақсуда лампани кўтариб, уйга кирди-да, қозиқда илиғлик турган камзули чўнтагидан буклоғлик хатни олиб, бир қўллаб силтади.* С. Зуннунова, Олов.

ИЛК *кт.* **1** Дастлабки, биринчи; бошланғич. *Қуёшнинг илк нурлари. Шоирнинг илк шеърлари. Кишилик тарихининг илк даври.* ▬ *Шербек студентлик ҳаётининг илк дамларида ўзини худди қафасдаги қушга ўхшаш ҳис этди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу жараён танловнинг илк босқичида туман ва вилоятларнинг ўзида амалга оширилади.* «Тафаккур».

2 Эрта. *Илк баҳор.* ▬ *Илк саҳардан то қора кечгача одамлар тиним билмаган ана шу кунларнинг бирида, қуёш энди тиғ ёя бошлаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш — икки отлиқ чиқиб келаверди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЛКИС *шв.* **1** Бирдан, шартта. *-Яхши боринг, — деди қиз унга илкис қараб.* М. Мансуров, Ёмби. *-Келдингми, ўғлим? — дея бошлиғимиз илкис ўрнидан туриб, икки қўлини баравар узатди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Кутилмаганда, тўсатдан, бехосдан. *Чол илкис эшитилган товушдан чўчиб тушди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ИЛКИСДАН *шв.* Кутилмаганда, тўсатдан, бехосдан. *Хотиржам, бевахим ётган одамлар Жаллодларга илкисдан дучор бўлдилар.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ИЛЛА *шв.* Аранг, зўрға. *Илла қутулиб қолдим Мен уларнинг қўлидан.* «Ойсулув».

ИЛЛАТ [*а.* علت — касаллик, дард; камчилик, нуқсон; сабаб] **1** Тандаги дард, касаллик, хасталик. *Дала ҳавоси.. бутун иллатни хамирдан қил суғургандай тортиб олади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Докторга ҳам қаратдик, қизим, дори-дармон ҳам қилдик. Иллат — суякда.* П. Қодиров, Қадрим.

2 Жисмоний ёки руҳий камчилик, нуқсон, айб. *Қизнинг оёғида бир иллати бор.*

3 *кўчма.* Гуноҳ, айб; жиноят. *Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди.* Мақол.

4 *кўчма* Нарсалардаги носозлик, бузуқлик; «касал». *Ҳамма иллат ўша янги қўшилган запас қисмда экан.* «Муштум». *Механик излаб, идорага чопмасдан, машинанинг иллатини топиб, ўзи тузатади.* М. Ниёзов, Кампирравот юлдузлари.

5 *кўчма* Меъёрийликни бузувчи (салбий) нарса; қусур, камчилик. *Мана, иллат қаерда: айб обу ҳавода эмас, айб меҳнат интизомининг йўқлигида!* Уйғун, Навбаҳор. *Унинг ҳамма юксак нарсалардан иллат қидириши, обрўси ортган ҳар бир ҳамкасбига танқид кўзи билан қараши шундан эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳафсаланинг йўқлиги, совуққонлик, ўзибўларчилик қурсин. Худди шу иллатлар туфайли ажойиб боғ харобазорга айланди.* Газетадан.

ИЛЛО [*а.* إلاّ — магар, -дан ташқари, -дан бошқа] *кт.* Бироқ, лекин, аммо. *[Маҳдум]: Келганингиз маъқул, илло ўзи жуда чарчаб қолган-да, четдан дуо қилиб турсангиз ҳам кифоя, ука.* А. Қодирий Меҳробдан чаён. *Шаҳарлар олар-у, илло халқни енга олмайди, халқ ғазаби ёмон.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ИЛЛО-БИЛЛО [*а.* إلاّبالله] Асло; ҳеч, сира; худо ҳаққи. *Илло-билло бу гапни гапирганим йўқ.* ▬ *Фотиҳани бузадиган бўлсаларинг, илло-билло эшикларингга қайтиб қадам босмаганимиз бўлсин, деб писанда қилиб кетишди.* М. Мансуров, Ёмби. *Мен сизга айтсам.. бу пул тушмагур бўлмаса, одам илло-билло гапдан ҳам адашиб қолади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ИЛЛЮЗИОНИЗМ [*фр.* illusionisme < *лот.* illusio — алдаш, адаштириш, чалкаштириш] **1** Цирк ва эстрадада: махсус аппаратлар, қурилмалар ёрдамида томошабин кўзини чалғитиб, фокуслар, найранглар кўрсатиш.

2 Тасвирий санъатда: борлиқни худди ўзига ўхшаб кўринадиган даражада тасвирлаш.

ИЛЛЮЗИЯ [*лот.* illusion — хато; алдаш, алдамчи тасаввур] **1** *флс.* Сезгиларнинг номукаммаллиги, алданиши натижасида борлиқни, воқеликни нотўғри идрок қилиш; ҳақиқий бўлмаган, ўхшаб кўринган нарса-ҳодисани тўғри деб қабул қилиш.

2 Амалга ошириб бўлмайдиган пуч режа, хомхаёл.

ИЛЛЮМИНАТОР [*лот.* illuminator – ёритувчи, ёриткич] Кемалар, самолётлар ва космик кемаларнинг маҳкам бекиладиган (ёки очиладиган), сув ўтказмайдиган тўгарак (доира) ёки тўртбурчак шаклли дарчаси. *Севаргул беихтиёр юз буриб, пешонасини муздек иллюминаторга босди, денгизга тикилиб қаради.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Узоқларда – денгиз сатҳида кезиб юрган соқчи катер иллюминаторларида чироқлар ёнди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ИЛЛЮМИНАЦИЯ [*лот.* illuminatio – ёритиш] Катта байрам ва тантаналар муносабати билан бино ва кўчаларни, парк ва майдонларни ранг-баранг чироқлар, ёниб турадиган ёзувлар билан безатиш.

ИЛЛЮСТРАТИВ Иллюстрация учун хизмат қиладиган. *Иллюстратив мисоллар.*

ИЛЛЮСТРАТОР [*лот.* illustrator – тушунтирувчи, тасвирловчи] Китоб, журнал ва ш. к. матнига мослаб расм чизувчи рассом.

ИЛЛЮСТРАЦИЯ [*лот.* illustratio – кўргазмали тасвир, жонли ифода] **1** Китоб, журнал, газета ва ш. к. даги матнни, асар мазмунини тушунишга хизмат қиладиган расм, сурат. *Китоб иллюстрациялар билан безатилган.* Э. Охунова, Икки денгиз оша. *Нашриётимизнинг цинкография цехи республикамиздаги энг йирик иллюстрация устахонаси ҳисобланади.* Газетадан.

2 Намунавий мисол, далил.

ИЛМ [*а.* علم – билим; фан; назария] **1** Ўқиш-ўрганиш ва тадқиқот, таҳлил этиш билан эришиладиган билим; кўникма, маълумот. *Илм даражаси. Илм олиш ҳуқуқи. Илм даргоҳи. Шариат илми. Дунёвий илмлар.* ▬ *Жамолбой ака, дини исломни қўлдан бермасдан.. замон илмларини ўқилса, зарар қилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Домламиз бизга бундай илмларни ўқитмаганлар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Кашфиётсиз илм бўлмаганидек, илм ҳам кашфиётсиз нафас ололмайди.* «Саодат». *Олим илми билан ҳурмат топур, ҳофиз хуш овози билан одамларнинг дилини хуш қилур..* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Иш-фаолиятнинг илм билан боғлиқ соҳаси; табиат ва жамият ҳақидаги билимлар тизими; фан. *Илм ва ҳунар. Илм ва маърифат. Илм ва санъат.* ▬ *Янги мактаблар очиб, Қуръони карим ва бошқа дарслар билан бирга жуғрофия, тарих, ҳисоб каби илмларни ҳам таълим берайлик.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Иш-фаолиятнинг маълум бир соҳасига оид билим, таълимот, малака. *Ислим барлос – содда, диловар, ов ва қуш илмининг пири.* Ойбек, Навоий. *Боғдорчилик илмини билар экан.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳарб илмида ҳамма йўл бекилганда, жангчи учун ўлимдан бошқа чора қолмагандагина ўзини ўзи ҳалок қилади, дейилади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Илми ғайб (*с.т.* **илми ғойиб**) Яширин, сирли нарсаларни билиш илми. *..йўқса илми ғайбни ким билибдур.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [*Хон эшон*] *..дами ўткир, ҳар қандай балони ҳам даф қила оладиган, илми ғойибдан хабардор деб овозаси кетган.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ИЛМА 1 Ип-ипакни илиб олишга мосланган тикиш асбоби билан қўлда тикишнинг бир усули. *Илма чок.* ▬ *Илма тикдим илиб-илиб, Томошани ҳамма қилиб.* «Қўшиқлар».

2 *шв.* Рўмолнинг бир тури.

3 Илиб оладиган, илишга мосланган. *Йўрма – материални гардишга тортиб, илма бигиз ёрдамида тикиладиган чокнинг бир тури.* «ЎТА».

ИЛМ-АМАЛ *с. т. этн.* Кишини бировдан «совитиш» ёки бировга «иситиш» учун қилинадиган амал. *Э, энди билдим: [Сидиқжоннинг] Онаси ўлгур ҳам бир илм-амал қилган, уни мендан совитган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Илм-амал билан тил-жағини боғлаб қўйгансанки, яхши кўради-да, хазон бўлгур!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ИЛМА-ТЕШИК Тешик-ёриғи кўп, ҳамма ёғи тешик-ёриқ; эскириб титилиб кетган. *Илма-тешик челак.* ▬ *Эгнида бир бари тирсагидан, бир бари тамоман йўқ, илма-тешик бўз яктак.* М. Исмоилий. Фарғона т.о. *Унинг бисоти – чурук кўрпа-ёстиғию илма-тешик намати..* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ИЛМГОҲ Умуман, илм бериладиган, илм олинадиган, илм билан шуғулланиладиган жой. *Ҳозирги кунда шу учта тизим – институт, корхона ва илмгоҳлар бир мақсад ва бир йўналиш – келажаги буюк давлат яратиш иштиёқи билан ишлаётир.* Газетадан.

ИЛМИЙ 1 Илмга оид, илмга қаратилган. *Илмий асар. Илмий кузатиш. Илмий журнал. Илмий нашриёт. Илмий фаразлар.* ▬ *Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний*

каби буюк боболаримизнинг маънавий ва илмий меросини теран ўргана бошлаганимиз боиси ҳам шунда. Газетадан.

2 Ўқиш-ўқитиш, илмий-ташкилий ишлар билан шуғулланувчи. *Илмий кенгаш. Илмий бўлим.* ▬ *Шу орада нима бўлди-ю, мактабнинг илмий мудири пенсияга чиқиб, ўрнига Аҳмадхонов маъқул кўрилди.* «Гулдаста».

3 Илм-фан билан боғлиқ муаммоларни ўрганувчи, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи. *IX—X асрларда Қурдоба дорилфунуни йирик илмий марказга айланди.* «Фан ва турмуш». *Илмий масканда самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда.* Газетадан. *Республикамизда илмий муассасалар тармоғи тобора кенгаймоқда.* «Фан ва турмуш».

ИЛМЛИ Илми бор, ўқиган, маълумотли. *Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар.* Мақол.

ИЛМОҚ I **1** Мих, қозиқ, илгак ва ш. к. га осмоқ, осиб қўймоқ. *Ҳўл, оғир шинелини ва гимнастёркасини дарахтга илди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Йигит.. бошидан қалпоғини олиб, қозиққа илди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Турсунбой ота отнинг бўйнига емтўрвасини илиб.. шошиб-пишиб, намози шомни ўқиб чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Илмоқ ва ш.к. га олмоқ, тушириб тортмоқ. *Сувдаги хас-хашакларни илиб тортмоқ.* ▬ *..учта эски кўрпани сўкдик. Қовуғидан ипларни игнанинг орқаси билан илиб олдик.* А. Ҳамдам, Дўстингдан.

3 Отилган ёки юқоридан тушаётган нарсани ерга туширмай тутмоқ, тутиб олмоқ. *Болалар қўлларини чўзиб, сапчиб, сочқиларни илиб олдилар.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Ит жон-жаҳди билан икки сакрашдаёқ пириллаб кетаётган конвертни лунжига «ҳап» этиб илиб олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 Киймоқ (одатда, енгил-елпи, расман бўлмаган кийиш ҳақида). *У кавушини маҳсисининг учига илиб, ҳовлига тушар экан, хотинига қайта таъкидлади..* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Гапни (*ёки* **сўзни** ва ш.к.ни) **илиб кетмоқ** Бировнинг оғзидан гапни олиб, давом эттириб кетмоқ. *-Ҳа, боятдан бери сенга тикилиб ўтирибман, айланай, — кампир гапни илиб кетди, — ундоқ қарайман, мундоқ қарайман, кўзларимга ишонмайман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тўғонбек бир ҳикояни битириб, бошқасини ўйларкан, Биноий сўзни илиб кетди.* Ойбек, Навоий. *..хушчақчақ суҳбат бошланишига илҳақ бўлиб турган Акрамжон Мастура бошлаган аскияни илиб кетди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. **Илиб кетмоқ** Эга чиқмоқ (бошқалардан олдин), ўзиники қилиб олмоқ. *Қизи товуқ фермасида ишлайди. Бир тракторчимиз илиб кетди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *Иннайкейин, ҳозир бўлинглар, қақир ерларга жон кирганда, тағин Тешабой илиб кетмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Илиб олмоқ** Тушуниб етмоқ (олмоқ), билиб олмоқ. *Ишдан ҳориб-толиб чиққан Шоқосим чала-чулпа эшитса-да, маънони тез илиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..жуда шўх, сергап, ҳар нарсани дарров илиб олади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *У [Турсуной] ..устахонага ўтадиган аравакашнинг яллаларини ҳам илиб олган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Кўзга (***ёки* **назарга) илмаслик** Назар-писанд қилмаслик, менсимаслик. *..баъзи бировлар "Хотин кишининг қўлидан нима иш келарди?" деб назарига илмаган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Оёқ илмоқ** *шв.* Тўхтамоқ (йўлдан). *Сурнай навоси чиқаётган, қуюқ тутун ўрлаётган тўйхона остонасида оёқ илдик.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Яхшиси, бундай қилсак. Йўлда оёқ илсак: қишлоққа қоронғилатиб кириб борсак.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. **Қулоққа илмоқ** Сўз(гап)ни эътиборга олмоқ; тингламоқ. *Гапимни уч бора қулоққа илгил.* Воқиф.

ИЛМОҚ II **1** Илиб олиш, илиб кўтариш учун ишлатиладиган, темирдан ёки дарахтнинг бутоғидан ясалган хонаки айри асбоб; илгак. *Шерали илмоқни яхшилаб ўрнаштиргач, шериклари турган томонга қаради.* С. Кароматов, Олтин қум. *Икки азамат йигит темир илмоқлар билан занжирни кўтариб, кема бурнига қўйди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Файзулла темирнинг иккинчи учини илмоқ қилиб қайиради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кам қўлл.* Эшикнинг беркитиш (очилмайдиган қилиш) мосламасидаги илиб қўйиладиган қисм; илгак. *Кейин чуқур тин олиб, орқасига ўгирилди-да, қўлини солиб, панжара эшик илмоғини туширди.* С. Зуннунова, Олов.

3 *кўчма* Гапнинг замиридаги киноя, шама ёки ғараз. *-Мингбоши бу қочиримдан ҳеч бир илмоқ сезмади, балки бу қочириқ уни яна ҳам очиб юборди,— деди Шокиржон.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *У [Гулноз]*

Зулунбекнинг яқинлашиш учун илмоқ ташлаганига ақли етиб, саволни жавобсиз қолдирди-да, кабинетдан чиқа бошлади. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ИЛМОҚДОР *айн.* **илмоқли 2.** *Унинг илмоқдор шўх сўзлари юракларни тўлқинлантирар, гур-гур кулги кўтарар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИЛМОҚЛИ 1 Илмоғи, илгаги бор. *Илмоқли занжир.* ▬ *..ундан учи илмоқли арқонни олиб, қояга яқинлашди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *кўчма* Замирида киноя, шама ёки ғараз бўлган. *Илмоқли гап.* ▬ *У, ҳар қалай, ўз фикрини айтиб қўйишни лозим топиб, ҳамроҳига илмоқли савол ташлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *-Илмоқли гапни ёқтирмайди, кейин нима қилишимни билмай қоламан, — деди Мурод.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ИЛМОҚСИЗ 1 Илмоғи, илгаги йўқ.

2 *кўчма* Беғараз, тўғри. *У йигитнинг илмоқсиз гапи йўқ.* Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

ИЛМПАРВАР [*а.+ф.* علمپرور — илм тарафдори, илмни парваришловчи] Илмни севадиган, илм-фаннинг ривожи учун курашувчи. *Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари ҳам шоир, ҳам илмпарвар эмишлар.* Ойбек, Навоий.

ИЛМСИЗ 1 Илми, маълумоти йўқ; ўқимаган, нодон. *Илмсизга иш йўқ, билимсизга — ош.* Мақол. ▬ *Гарчи Анварга холис қиймат бермоқчи бўлганида ҳам, буни Сафар каби илмсиз, нодон бир кишига тушунтирмоқ учун қандай ҳожат бор эди!?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Илм-фан ёрдамисиз, илмга асосланмаган (таянмаган) ҳолда. *Илмсиз тажриба — боши берк кўча.* Мақол. ▬ *Илмсиз, маърифатсиз янги турмуш қуриб бўлмайди, албатта.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ИЛМСИЗЛИК Илмга эга эмаслик, илмсиз ҳолат. *Илмсизлик қоронғилик эканини билсангиз, ўқинг деганда, менинг олдимга ёғоч от миниб келармидингиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИЛОВА [*а.* علاوه — қўшилган, тиркалган нарса] **1** Айтилган гапга, изҳор қилинган фикрга ёки бирор асарга қўшимча тарзида айтилган ёки берилган нарса, қўшимча изоҳ. *Қарорнинг иловаси. Китобнинг иловаси. Асарнинг охирида иловаси бор.* ▬ *Вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг мактабларни бир сменали машғулотга ўтказиш ҳақидаги иловада кўрсатилган таклифлари қабул қилинсин.* Газетадан.

2 Китоб, газета ёки журналга қўшиб чиқарил(ади)ган алоҳида нашр. *«Афанди» газетаси «Муштум» журналининг иловасидир.*

Илова қилмоқ Қўшимча (тиркалган) тарздаги фикр билдирмоқ; гап, маълумот қўшимча қилмоқ. [*Латофат*] *Директорнинг ҳамон индамай турганини кўриб: -Уч йил қишлоғимиздаги мактабда ўқитувчилик ҳам қилдим, — деб илова қилди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Селекция илмий-тадқиқот институти ҳаётига доир ниҳоятда муҳим бир ҳужжатни илова қилиш жоиздир.* Мирмуҳсин, Умид.

ИЛОВАЛИ Иловаси, қўшимчаси бор. *Иловали журнал.*

ИЛОЁ [*а.* إلاهى — эй худойим] *унд. с., с. т.* Истакни кучайтириш учун ишлатилади. *-Илоё, айтганингиз келсин, — деди меҳмон хурсанд бўлиб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Илоё, дунё тургунча туринг, бир мўйингиз тўкилмасин..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ИЛОЖ [*а.* علاج — даволаш; дори; тўғрилаш] Амалга ошириш, бажариш, қилиш имкони; чора. *Бунинг иложи борми? Келмасанг, иложи йўқ. Бир илож топмоқ. Илож борича ҳаракат қилмоқ.* ▬ *-Ойимни бориб кўриб, иложи бўлса, ўзимиз билан бирга бу ерга олиб келамиз, — деди Ботирали.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Элмурод Гулсум билан жуда кўп гаплашгиси келар, лекин ҳеч иложини тополмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бунинг иложи осон-ку..* А. Қаҳҳор, Оғриқ типлар.

Илож (-им, -инг, -и) қанча? Бошқа илож йўқ, нима ҳам қила олар эдим; на чора. *Илож қанча? Бечора инқиллаб-синқиллаб, чўнтакларидан картошка билан гўшт бўлакларини мис косага сола бошлади.* О. Ёқубов, Излайман. *Бизни сотиб олгани йўқ, биз мерос қулмиз. Иложимиз қанча, болам.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Илож** (*ёки* **иложини) қилмоқ** Йўлини топмоқ, амалламоқ. *Онажон.. [укамни] бир илож қилиб, бировга бериб ўқитинг.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Юринг, Гўрўғлига бориб хабар берсак, иложини шу қилмаса, биз қилолмасмиз.* «Гулнорпари».

ИЛОЖСИЗ Илож-имкони йўқ; чора, тадбир топиб бўлмайдиган; ночор. *Иложсиз аҳвол. Иложсиз қолмоқ.* ▬ *Инсон иложсиз бир қийинчиликка дуч келганда, ҳар то-*

мондан ўзини юпатиш йўлини ахтаради. С. Айний, Эсдаликлар. *У аҳоли яшайдиган қай бир пунктни, қай бир шаҳарчани мўлжаллаб, унга тўғри йўл бошламасин, бир оздан кейин иложсиз тўхтарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Чунки оила масалаларини тўл-тўкис қамраб олишнинг ўзи иложсиз.* «Тафаккур».

ИЛОЖСИЗЛАНМОҚ Иложсиз ҳолатга тушмоқ, ноиложлик ҳис этмоқ. *Маҳкам кечагина мана шу чорраҳага йўл тополмай, бўй етмас девор қаршисидан чиқиб қолгандай, иложсизланган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИЛОЖСИЗЛИК Иложсиз ҳолат. *-Иложсизликдан қошингизга келдим, — деди ялинқираган товуш билан Тўғонбек.* Ойбек, Навоий.

ИЛОЙИМ *унд. с., с. т.* Илоё, илоҳим. *Эшон кўзларини пириллатиб, тасдиқлади: -Ҳа, ҳа, бор эди.. Кейин.. қочиб кетди. Кўр бўлсин, илойим!* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Холисхон:] Илойим, паранжи қурсин, мени шундай қора кунларга солди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Кетган ёринг йўлиқсин-да, илойим.* «Муродхон».

ИЛОН 1 Судралиб юрувчи, оёқсиз, танаси ингичка ва узун, кўзлари шаффоф қовоқлар билан қопланган жонивор. *Бўғма илон. Заҳарли илон. Заҳарсиз илон. Кўзойнакли илон. Оқ илон. Сув илон(и). Қора илон. Илон чаққан ола арқондан қўрқар.* Мақол.

2 Мучал йил ҳисобида олтинчи йил номи; мор.

Илон йили Мучал йил ҳисобида олтинчи йил (*қ.* **мучал**).

Ер тагида (*ёки* **остида) илон қимирласа, билмоқ** Жуда ҳам зийрак, сезгир; устомон киши ҳақида. *Ер тагида илон қимирласа, биладиган баззоз шаҳардаги ҳамма воқеалардан хабардор эди.* М. Осим, Ўтрор. *Бегойим ер остида илон қимирласа, биладиган қув хотин.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ётган илонни (бошини) қўзғамоқ** Зарар етказадиган, лекин тинч ётган шахс ёки нарсани қўзғатиш, «ишга тушириш» маъносида. **Илон изи** Эгри-бугри, иланг-биланг. *Илон изи йўллар. Илон изи чизиқ.* ▬ *Қизлар ичида ҳали тўғри чокни илон изи қилиб тикувчилар йўқ эмасди.* У. Назаров, Замон. *Илон изи бўлиб кетган ёлғизоёқ йўлни бўрон оқибатида қум босиб қолган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Илон пўст ташлайди(ган)** Чидаб бўлмас даражадаги гап-сўз, тоқат қилиб бўлмайдиган ҳақорат ҳақида. *Гапларига илон пўст ташлайди.* ▬ *-Ўзингиз ҳам илон пўст ташлайдиган гап қилдингиз-да, — деди у хушомадгўйлик қилиб.* И. Раҳим, Ихлос. **Илон чиққан** Ҳеч ким кирмайдиган, ташриф буюрмайдиган хона, хонадон ва ш.к. ҳақида. *Оҳ, онагинанг айлансин, уйимдан илон чиққан! Муштумга ёзадиган гап бор..* «Муштум». *..ўша воқеадан сўнг, оналар таъбирича, «илон чиққан» бу кўчага [Отабекнинг] биринчи кириши, биринчи жасорати эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Илоннинг ёғини ялаган** Ўта айёр, устомон. *Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам эди: ҳамма бойлар каби айёр, муғамбир, пухта-пишиқ..* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЛОНБАЛИҚ 1 Танаси илонга ўхшаш узун балиқ. *Бу сувларда сом, илонбалиқ, сазан, маринка каби балиқлар сероб.* Газетадан.

2 Шу балиққа ўхшаш, умуртқали денгиз жонивори.

ИЛОНБОШ *зоол.* Олабуғасимонлар туркумига мансуб, танаси чўзиқ, боши ясси, кўриниши илонга ўхшаб кетадиган балиқ.

ИЛОҚ Чўлда баҳорда ўсадиган, қўйлар учун энг яхши озуқа ҳисобланган кўп йиллик ўт ўсимлик. *Баҳорда қумда эфемер ўсимликлар: илоқ, қўнғирбош, ялтирбош ва бошқа ўтлар яхши ўсади.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

ИЛОҲ [*а.* إلاه — оллоҳ, тангри] Худо. *Ишондим: дунёга келган кунидан Башар изламабди бесабаб илоҳ.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

ИЛОҲА [*а.* إلاهه — маъбуда] Хотин қиёфасидаги худо, санам; маъбуда. *Диана — қадимги Рим мифологиясида ов ва ой илоҳаси.* ▬ *Мен уни қадимги дунёнинг машҳур рақкосаси, санъат илоҳаси Фаринага ўхшатар эдим.* К. Яшин, Ҳамза.

ИЛОҲИ [*а.* إلاهى — э худойим] *унд. с.* Илоё, худоё. *Ўғлим бўлса шундоғ бўлар эдида, мендан кейин ҳам давлатим шуники, илоҳи, омон бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Илоҳи, бизни биродар этгин.* Газетадан.

ИЛОҲИЁТ [*а.* إلاهيّات — теология] Худо ва дин ақидалари ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи; теология. *Улуғбек коинот ва юлдузлар оламини ўрганишда илоҳиётга эмас, илмга, фанга асосланган янги мунажжимлик фанига асос солди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИЛОҲИЙ [*а.* إلاهى — оллоҳга, худога оид] Худога, илоҳиётга оид, худонинг қудрати-

га боғлиқ, деб тасаввур қилинадиган. *Илоҳий куч.* ▬ *Аёл — яратувчи она. Худо унга шундай илоҳий бир қудрат ато этган.* «Меҳнат». *Сиз билан биз дину шариатнинг илоҳий кувватига ҳеч шак келтирмайлик, бу гапни қўйинг, тақсир.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЛОҲИЙЛАШТИРМОҚ Илоҳга, илоҳиётга боғламоқ, илоҳий тус бермоқ. *Деҳқонлар ерни, сувни, оловни илоҳийлаштириб, уларга сиғинганлар.* Р. Ғуломова, Топилмалар ҳикоя қилади. *Шайх, ўз эътиқодини илоҳийлаштириш учун бўлса керак, қўлидаги китобини пичирлаб ўқий бошлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИЛОҲИМ *унд. с., с. т.* Илоё, илоҳи, худоё. *Қоп-қоп олтин, кумуш тўкиб олса арзийдиган қизсан. Илоҳим, бахтли бўл.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЛОҲО *айн.* **илоё**, **худоё**. *-Илоҳо, менинг куним сенинг ҳам бошингга тушсин — деди Баширжон.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ИЛТИЖО [*а.* إلتجاء — ҳимоя, паноҳ сўраш; ялиниш, ёлвориш] Худога, илоҳий кучга сиғиниб паноҳ тилаш; умуман, ялиниб-ёлвориб, ўтиниб сўраш; ўтинчли илтимос. *Назру ниёзларини оёғи остига тўкиб, дуо қилишни илтижо билан сўради.* К. Яшин, Ҳамза. *Замиранинг бу илтижоси, темир тобутни қучоқлаганча парчин бўлиб ётиши ҳар қандай бемеҳр одамнинг ҳам юрагини эзиб юборарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Илтижо қилмоқ Ёлвориб (сиғиниб) сўрамоқ. *Ахир худонинг раҳми келар, деб унга илтижо қилишдан тўхтамадим..* С. Зуннунова, Гулхан. *Абдубилол эса, ҳеч кимнинг гапини эшитмай, дуога қўл очишларини илтижо қила бошлади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ИЛТИЖОЛИ Умид-илтижо, ёлвориш ифодаловчи (асосан, сўзсиз, кўз қараши билан). *Кампир қизининг.. кўзларига илтижоли термулади, жавоб кутади.* У. Назаров, Одамлар. *Раиснинг тилига калтак келиб, бир нималар дея дудуқланди. Охири ҳимоя сўраб, Сардоровга илтижоли кўз тикди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ИЛТИМОС [*а.* إلتماس — ўтинч, илтимос; афв, кечириш] **1** Муддаони (мақсад, истакни) қондириш ҳақида қилинган мурожаат, сўраш. *Меъмор шогирдларининг илтимоси билан атай икки қатор ғиштни айлантириб терди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Амирзодам ҳозир беҳад бандлар, мавлоно, балки илтимосингизни менга айтурсиз?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Шундай сўраш, талабни қайд этувчи мурожаат шакли. *Илтимос, коридорга тупурилмасин.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Илтимос, сиз қолинг, — деди Гавҳар яна ялиниб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Илтимос қилмоқ Сўрамоқ, илтимос билан мурожаат этмоқ. *..қиш чиққанича мадраса қурилишида хизмат қилсам.. — деб илтимос қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИЛТИМОСКОРОНА Илтимос ифодаловчи (билдирувчи). *-Аброр ака, қўлимни қайтарманг, — деди Чиннихон илтимоскорона товуш билан.* П. Қодиров, Юракдаги қуёш.

ИЛТИМОСНОМА [*а.+ф.* إلتماس‌نامه] Илтимос хати. *Франция ва бошқа мамлакатлардан.. юз минглаб ампула дори сўралган илтимосномалар келиб турибди.* М. Яҳёев, Оламга машҳур кимёгар.

ИЛТИМОСЧИ Илтимос билан мурожаат қилувчи, илтимоси бор шахс; арзачи. *Анвар бу кейинги илтимосчилардан гоҳ аччиғланиб, гоҳ кулар, ҳар ҳолда, бир неча дақиқали ваъдалар билан уларни жўнатгунча эси кетар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИЛТИФОТ [*а.* إلتفات — ўгириш, буриш; лутф қилиш, эътибор, марҳамат] Кишига қилинган марҳамат, ҳиммат, диққат-эътибор, яхши муносабат. *-Бўлмаса, сиз бир оз дам олинг, — деди у илтифот билан.* Н. Аминов, Қалтис хато. *Шунча эътибор, шунча илтифотга қарамай, Нури зериккан каби хомуш ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Илтифот қилмоқ (*ёки* **кўрсатмоқ**) Яхши эътибор, муносабат билдирмоқ. *Кумушбиби отасининг сўзига яхши илтифот қилмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳасан овчи илтифот қилиб, Майна билан Абдуваҳобни еб-ичиб ўтиришга таклиф қилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ИЛТИФОТЛИ Кишига илтифот этадиган, марҳаматли, ҳимматли. *Илтифот кўрсатган кишига илтифотли бўлсангиз.* Й. Муқимов, Илтифотли кишилар. *..камтарин ходим ўз адресига айтилган илтифотли сўзларни, мақтовларни тўғри қабул этади.* Газетадан.

ИЛТИФОТСИЗ Кишига илтифот қилмайдиган, ҳиммати йўқ, ҳимматсиз. *Илтифотсиз одам.* ▬ *..кейинги вақтларда Азиз-*

бек Қўқоннинг ёрлиғ ва фармонларини илтифотсиз қолдира бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИЛТИФОТСИЗЛИК Илтифотсиз муносабат, ҳолат. *[Нодирнинг] Келинойисига нисбатан илтифотсизлиги билиниб турса ҳам, айтганини бажарар, ҳатто дағдаға, силтовларига бутунлай ўрганиб қолгандай эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ИЛҒАМОҚ Ақл, кўз, қулоқ билан сезмоқ. *Баширжон хат мазмунидан ҳеч нарса илғаб ололмаган бўлса-да, «Шоирлар зўр-да», деб қўйди.* Н. Аминов, Суварак. *Қоронғи кеча.. ҳатто ёнма-ён кетаётган кишилар ҳам бирбирларини илғай олмайдилар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Бирор оҳангни илғаб қолган бўлсангиз, қайси бир соҳибкорнинг ногаҳон ялласида..* Ғ. Ғулом.

ИЛҒОВ *шв.* Машаққат, азоб. *Бу кўрганим қандай бўлди, ёронлар, Бўрон, илғовларда бу жоним қолар.* «Ойсулув».

ИЛҒОВЛИ *шв.* Машаққатли, оғир. *Тоғнинг нариёғига лашкар келибди, Кун туман, илғовли кунлар бўлибди.* «Маликаи айёр».

ИЛҒОР 1 *тар.* Қўшиннинг олдинги қисми, авангарди. *Ярим кечада Бобурнинг илғорлари дарвозага секин яқинлашганларида, Абу Юсуф ва Муҳаммад Султоннинг навкарлари дарвозахона устидан уларга камон ўқ отиб, бир қанча кишини ярадор қилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Ишда, тараққиётда олдинда борувчи, пешқадам. *Пахтачилик илғорлари.* ▬ *Биз келажак тараққиётига, барча илғор мамлакатлардаги сингари, дунёвий давлат қуриш орқали борамиз.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида. *Трестдаги илғор бинокорлар қатори Ёдгорни ҳам тантанали кечага таклиф қилишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *кўчма* Тараққиёт, ривожланишга, олға силжишга хизмат қилувчи; янгиликка бошловчи. *Сафохон тўра ўзининг одампарварлиги, илғор фикрлари билан.. қолган мударрислардан ажралиб турар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Илғор иш усуллари, янги техника ва технологияни қўллаш туфайли яхши натижаларга эришилаётир.* Газетадан.

ИЛҒОРЛИК Илғор фаолиятли ҳолат. *Илғорлик, пешқадамлик боғбон — соҳибкорлар зиммасига катта масъулият юклайди.* Газетадан. *Илғорлик билан қолоқлик, самимийлик билан ҳасад.. гўзаллик билан дидсизлик тўқнашади.* Шукрулло, Қор ҳам ёнар экан.

ИЛҒОҚСИМОҚ *шв.* Алағда бўлмоқ. *Бу ишни ҳеч ким билмасин-да, деб илғоқсиб ётган эди.* «Ойсулув».

ИЛҲАҚ [*а.* إلحاق — қўшиш, боғлаш] Умидворлик билан кутувчи; муштоқ, мунтазир. *Кутувчилар, ана комиссия келди, мана келди, деб илҳақ, лекин ҳеч гап йўқ.* Газетадан. *Ҳамма бирдай муқаддас ғалабага илҳақ!* С. Кароматов, Олтин қум. *Касаллик, ўлим тўғрисидаги гап тугаб, хушчақчақ суҳбат бошланишига илҳақ бўлиб турган Акрамжон Мастура бошлаган аскияни илиб кетди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ИЛҲОМ [*а.* إلهام — ишонтириш, руҳлан(тир)иш] **1** Ижодий завқ жўш урган ҳолат, кўтаринки ижодий руҳ. *Табиатни яшнатиб, гўё ҳаммани янгидан тирилтирган баҳор унинг танига ҳам янги ғайрат ва илҳом бағишлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оғир аҳволда қолган олимга илҳом ва қувват берувчи бир оғиз ширин сўз, холисона маслаҳатдан кўра катта мукофот бўлмайди.* Э. Юсупов. Истиқлол йўлида.

2 Илҳом (эркаклар исми).

ИЛҲОМБАХШ [илҳом + *ф.* بخش — бағишловчи, берувчи] Кўтаринки ижодий руҳ бағишловчи, илҳом берувчи. *Ойбекнинг илҳомбахш сўзлари ўзининг маънавий ва эстетик-тарбиявий аҳамиятини асло йўқотгани йўқ.* Газетадан. *Шу ёрқин, илҳомбахш туннинг тинчини Бузмоқ-чун қайрайди қонли тишини.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

ИЛҲОМЛАНМОҚ Кўтаринки руҳланмоқ, илҳом олмоқ. *Табиат манзараларидан илҳомланмоқ.* ▬ *Одамларнинг гўзаллиги, дилкашлигидан илҳомланарди [Ғафур Ғулом].* «Шарқ юлдузи». *Бизнинг ёзувчиларимиз ҳам қардош халқларнинг ҳаёти, ижодий меҳнатини ўз кўзлари билан кўрдилар, илҳомландилар.* Газетадан.

ИЛҲОМЧИ Илҳом бағишловчи, илҳом берувчи. *Қўшиқ, яхши куй — инсоннинг умр бўйи энг азиз, энг қадрдон ҳамдами, орзу-интилишларининг жўшқин илҳомчиси ҳамдир.* Газетадан.

ИМ Бош ирғаб ёки юз, кўз, қош, қўл ҳаракати билан қилинган ишора, имо. *«Алиф» ўтиб, «лом» ёзилар «мим» билан, Бирбирингга гап қотасан им билан.* «Равшан».

Им қилмоқ *айн.* **им қоқмоқ** *Отасининг юзида аччиғланиш сезган Раъно Анварга «нима гап?» деган каби им қилган эди, Анвар кўз қисиб, арзимаганлик ишорасини берди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Им қоқмоқ** Имо қилмоқ, имламоқ. *Навбатнинг олдида турган машина шофёри кабинадан бош чиқарди-да.. Турғунбой Дадажоновга тарозибон йигитни кўрсатиб, им қоқди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

ИМ-ДИМ *кам қўлл.* Ирим-сирим. *[Шафоат хола] Бир боғлам исириқни очиб: -Ёмон кўздан асрасин, тезроқ ими-димини қилмасам бўлмайди, — деди.* Ғайратий, Довдираш.

ИМДОД [*а.* إمداد – мадад, ёрдам] *кт.* Мадад, ёрдам, кўмак. *У [Отабек].. умрликка Марғилон билан видолашмоқчи эсада, бошқа бир кимса унинг кўз ўнгида кўрингандек ва бегона, раҳмсиз бир йигитнинг қучоғидан қутулиш учун ундан имдод сўрагандек бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аммо шогирднинг бурчи кинояли илжайиш эмас, мушкул аҳволда қолган устозга имдод бермоқ учун дарҳол йўлга чиқиш эканлигини Аваз хаёлига келтирмас.. эди.* С. Сиёев, Аваз.

ИМЗО [*а.* إمضاء – қўл қўйиш; тасдиқлаш] Шахснинг ўз қўли билан махсус ёзув-чизув (шакл)да ифода этилган ва унинг ўзи эканини билдирувчи белги; қўл. *Хатдаги содда, ёқимли сўзлар, унинг таниш имзоси, дала почтасининг беш рақамли адреси — буларнинг ҳаммаси Эралининг соғ-саломатлигидан далолат бериб турар эди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Мард одам имзосини очиқ қўяди, қурбақадек кавакда бекиниб ётиб қуриллаймайди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Имзо чекмоқ Имзосини қўймоқ; имзоламоқ. *Машинкадан кейин диққат ва қунт билан ўқиб чиқиб, кейин имзо чекиш керак.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Сергўшт юзлари йилтиллаб турган раис аллақандай қоғозларга имзо чекиш билан овора эди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Имзо қўймоқ** *айн.* **имзо чекмоқ**.

ИМЗОЛАМОҚ Имзо қўймоқ, имзоси билан тасдиқламоқ. *Буйруқни имзоламоқ.* ▬ *Шартноманинг имзоланиши дунёдаги жами хонадонларга зиё бахш этди.* «Саодат». *Рўйхатни имзолашда одамлар бош бармоқларини сиёҳ шимдирилган духоба ёстиқчага ишқалаб олиб, сўнгра қаттиқ босиб, из туширар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИМЗОСИЗ Имзоси йўқ, имзо қўйилмаган, муаллифи номаълум. *Буйруқнинг имзосиз нусхаси.* ▬ *Сизнинг устингиздан бизга, бошқа идораларга имзосиз аризалар ёғилаётипти* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Имзосиз хат Имзо қуйилмаган, муаллифи номаълум хат; аноним хат, юмалоқ хат.

ИМИ-ДИМИДА *рвш.* **1** Наридан-бери, биров билиб, биров билмаган тарзда. *Ими-димида иш қилмоқ.* ▬ *Қонуний никоҳни бузмай туриб, ими-димида тўй бошлаган куёвнинг кўзлари олазарак бўлиб тура берди.* Газетадан.

2 Илиқ-иссиғида, фурсатни қўлдан бермай. *Ишни ими-димида бажармоқ.* ▬ *Командировка муддати битгач, хайр-маъзурни ҳам нася қилиб, ими-димида Тошкентга қуён бўлдим.* «Муштум».

ИМИ-ЖИМИДА *рвш.* **1** *айн.* **ими-димида.** *Ими-жимида кийиниб, ҳовлига чиқди-ю, полиз ичида пиёз юлаётган дадасини кўрди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Довруқ солмасдан, ҳаммага кўз-кўз қилмасдан, енг ичида. *Ҳар ҳолда, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек, ими-жимида ҳал бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Анави нодон қизил чопон қоровул чолни уриб, яхши иш қилмади. Ими-жимида бўладиган ишнинг ҳидини чиқариб қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИМИЛЛАМОҚ Сустлик билан ҳаракат қилмоқ, иш-ҳаракатда суст бўлмоқ; судралмоқ. *Қўлига ручка олди-да, имиллаб бўлса ҳам, аввал ўзининг, сўнгра отасининг номини ёзди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Кўп имиллайвермасдан тезроқ бўл! — деди Қўчқор, — Ой чиқади сал ўтмай.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ИМИРСИЛАМОҚ 1 *айн.* **имилламоқ**.

2 Асосий ишга ўтмай (ўтишга шошилмай), йўлига, атайлаб бошқа нарсалар билан машғул бўлмоқ. *Йигит ҳам кетгиси келмаганидан, уни-буни баҳона қилиб имирсилар, дам отнинг юганини тўғрилар, дам айилини тортиб қўяр, зорланар эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИМКОН [*а.* إمكان – мумкинлик; қодирлик; қудрат] **1** Бирор иш, мақсад, талаб ва ш.к. ни амалга ошириш, юзага чиқариш, бажариш учун зарур ёки қулай шарт-шароит; имконият. *Элмурод.. Эргашни қидирса, сўраб суриштирса топарди, аммо бунга имкон қани?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳозир тўппа-тўғри жўнаш учун ҳеч қандай имкон*

йўқ. Гулнор ҳориган, кийими йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Чора-илож, мумкинчилик. *Излаган имкон топади.* Газетадан. *..ҳозир билай-чи, балки телефонни тузатиш имкони бордир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Имкон бермоқ Имкон, шарт-шароит яратмоқ, имкон, шароит бўлмоқ. *Зиёлиларнинг тўғри фикри ва маслаҳатлари ҳукмдорлар, раҳбарларга баландга парвоз қилиш имконини берадиган қанот бўлган.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида. *Табиат-иқлим шароитлари қишин-ёзин қабул қилиш имконини беради.* Газетадан.

ИМКОНИЯТ [*а.* إمكانيت – мумкинлик] **1** Зарур ёки қулай шарт-шароит; имкон. *Оҳангарон қочиб кетмаган бўлса ҳам, боришга имконият тополмаяпти.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ёш эканини кўрсатиш учун қулай келган ҳар бир имкониятни қўлдан бермас.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Юзага чиқиш, чиқариш учун мавжуд куч-қудрат, қобилият, восита. *Ички имкониятлар. Барча имкониятларни ишга солмоқ.* ▬ *С. Айний, аруз вазни аслида араб шеъриятидан олинган, унинг имкониятлари ниҳоятда тор, деювчиларга нисбатан муросасиз бўлди.* «ЎТА». *..учувчилар мамлакат авиация техникасининг ажойиб имкониятларини яна намойиш қилдилар.* Газетадан. *Заргар, қўлланадиган материалнинг конструктив ва эгилувчанлик имкониятини, унга ишлов бериш технологиясини билиши зарур.* Газетадан.

ИМКОНСИЗ Имкони йўқ; имкондан ташқари, амалга ошириб, юзага чиқариб бўлмайдиган. *Янги командир – капитаннинг боши нодир бош экан. Бўлмаса, бу ерни эсэсчилардан бир ҳафтада ҳам тозалаш имконсиз эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ИМЛАМОҚ Имо қилмоқ, имо билан билдирмоқ; им, имо билан чақирмоқ; кўрсатмоқ. *Бектемиров.. одамлар орасидан чолни топиб, кўз уриштириб олди, кейин имлаб, ёнидан жой кўрсатди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Олимов.. қўли билан болаларни имлади-да, чўққининг остида ғор каби ўйилган бир ерни кўрсатди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кампир жой солаётиб, Ҳайдар отага яна «айтинг, хатни берсин», деб имлади.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ИМЛО [*а.* إملاء – ёзиш, айтиб ёздириш; тўғри ёзиш] **1** Ёзув. *Эски имло. Янги имло. Лотин алифбоси асосидаги имло.* ▬ *Гапга чечан, эски имлода.. ҳар қандай хат ишларини бошқарадиган.. бу кишини одамлар анча ҳурмат билан «мулла Алимқул» деб аташарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тўғри ёзув. *Имло қоидалари.*

3 Ёзувга, тўғри ёзувга оид; имловий. *Имло хатолари.* ▬ *Редакцияга материал йўллашдан олдин, жуда бўлмаса, имло хатосиз ёзишни ўрганиб олинг.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ИМЛОВИЙ Имлога оид. *Имловий хато. Имловий тузатишлар.*

ИММАНЕНТ [*лот.* immanens, immanentis – ўзига хос; хусусий] Бирор ҳодисанинг ички хусусиятларига хос, ички табиатидан келиб чиқадиган. *Капиталистик ишлаб чиқаришнинг имманент қонунлари.*

ИММИГРАНТ [*лот.* immigrans, immigrantis – кўчиб келиб жойлашувчи] Бирон давлатнинг узоқ муддатга ёки доимий яшаш учун бошқа мамлакатга кўчиб келган фуқароси.

ИММИГРАЦИЯ [*лот.* immigrare – кўчиб келиб жойлашмоқ] Хорижий фуқароларнинг маълум бир мамлакатга доимий яшаш учун кўчиб келиши; шу тоифадаги кишилар.

ИММОБИЛИЗАЦИЯ [*лот.* immobilisis – қимирламайдиган, ҳаракатсиз] **1** *тиб.* Синиш-чиқишда, бўғим касалликларида гавданинг шикастланган ёки касал қисмини қимирламайдиган қилиб қўйиш.

2 *иқт.* Кўчувчи (ҳаракатдаги) мол-мулкни кўчмас мулкка айлантириш.

ИММУНИТЕТ [*лот.* immunitas, immunitatus – қутулиш; халос, холи бўлиш] **1** *биол., тиб.* Организмнинг ўзидан ирсий жиҳатдан ёт хусусиятлари билан фарқ қиладиган, унинг бутунлигига ва биологик ўзига хослигига зарар етказадиган микроорганизмлар (касаллик қўзғатувчилар), заҳарли моддалар ва б. дан ҳимояланиш реакцияси.

2 *ҳуқ.* Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва уларнинг ходимлари фойдаланадиган алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар.

3 Қонун чиқарувчи давлат органлари аъзолари (депутатлар)нинг дахлсизлиги.

4 *ҳуқ.* Гувоҳ бўлмаслик дахлсизлиги.

ИММУНЛАШ [*лот.* immunis – дахлсиз] Юқумли касалликларнинг ўзига хос усулларда олдини олиш учун муддати белгиланган кишиларга (ҳайвон ва б. га) эм дорилари қўллашга асосланган эпидемия-

га қарши чора-тадбирлар, уларнинг умумий атамаси.

ИММУНОЛОГИЯ [иммунитет – *юн.* logos – тушунча, таълимот] Организмнинг ҳимоявий хусусиятлари, унинг иммунитети ҳақидаги фан.

ИМО [*а.* إيماء – муайян ҳаракат билан ишора, шама қилиш] Бирор нарса билдириш, ундаш ва ш.к. учун бош ирғатиб ёки юз, кўз, қош, қўл ҳаракати билан қилинган ишора, им. *Имо билан чақирмоқ. Имо билан билдирмоқ. Имо қилмоқ.* ▬ *..унинг сўзларидаги ёки кўзларининг имосидаги ва қўлларининг ҳаракатидаги маъно ва оҳанг бойлигига гўё завқлангандек разм солар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ғуломжон кутилмаган ташрифнинг маъносига тушунса ҳам, болаларни қўл имоси билан турғизди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Имо қилмоқ *айн.* **имламоқ**. *Гуландом «сиз биласиз» деган каби, қоши билан чиройли имо қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИМО-ИШОРА Имо ва ишора(лар). *Баковуллар оёқ учида юради, сипоҳилар пичирлашиб ёки имо-ишора орқали сўзлашади.* С. Сиёев, Аваз.

Имо-ишора тили *тлш.* Нутқ товушларисиз, имо-ишора билан фикр англатишга асосланган тил.

ИМОЛАШМОҚ *шв.* Имо қилишмоқ, имо билан тиллашмоқ. *Оралаб бораётган чоғида бир ойдинда Эралининг етти ғозга кўзи тушди, Шералини чақириб, қўл чайпаб имолашди.* «Эрали ва Шерали».

ИМОЛИ Имо билан билдирилган. *У* [*Эшонхон*] *тез-тез бойга термилади, унинг имоли қисқа буйруқларига мунтазир.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИМОМ [*а.* إمام – бошлиқ, раҳбар; пешво, намозда олдинда турувчи] **1** Намозда жамоатнинг олдида туриб, намозни бошқарувчи, уларни ўзига иқтидо эттирувчи шахс. *Намоз шу ерда, меҳмонхонада ўқилди, Абдишукур имом бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ислом пешволарининг унвони. *Сизга ким айтди, мадрасадан чиққанларнинг ҳаммаси имом ёки қози бўлади деб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Имом (эркаклар исми).

ИМОМАТ [*а.* إمامت – имомлик] Имом иши, машғулоти; имомлик. *Солиҳ махдум оғирроқ касбни уҳда қилолмас, имоматга бўлса, соқоли чиқмаганликдан ярамас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИМОМАТЧИЛИК *с. т. айн.* **имомлик.** *-Сиз имом эмасмидингиз? – деб сўради у одамдан. -Мен, – деди у, –инқилобнинг бошидан бери имоматчиликни ташлаганман.* С. Айний, Қуллар.

ИМОМГАРЧИЛИК *айн.* **имомлик.** *Менинг бу гапим кўпларга маъқул тушди ва мени имомгарчиликдан озод қилдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ИМОМЛИК Имом иши, имом ишини бажариш, адо этиш. *У мадрасани тамом қилгач, «қори» деб ном олган бўлса ҳам, унга бирор жойда қорилик ёки имомлик қилиш насиб бўлмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бугун янги белгиланажак муфти имомлигида бунда биринчи бор намози пешин ўқилар экан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Имомликка ўтмоқ Намоз ўқилишида имом вазифасини бажармоқ. *Унинг муридлари ҳовуз олдига келиб, сафга тизилишди. Оғажон эшон имомликка ўтди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИМОМЧА Мадрасада имомликка тайёрланаётган муллавачча.

ИМОН [*а.* إيمان – оллоҳга ишонч; диний эътиқод] **1** *дин.* Худога бўлган ишонч, эътиқод; кўнгилда ишониш ва тилда иқрор қилиш. *Имонига, динига мустаҳкам покиза одам бор жойдан ажина юз чақирим нарига қочармиш.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ватанни севмоқ ҳам, илм ўрганиш ҳам, катталарни ҳурмат қилиш ҳам, тозалик ҳам имондандир.* Газетадан. *Масалан, Пайғамбаримиздан ривоят қилинадики, "Имон олтмишдан зиёд шуъбалардан – тушунчалардан ташкил топган, ҳаё эса ўшаларнинг биридир".* Газетадан.

2 Умуман, ишонч. *Муфти ўз ихтиёридаги турли воситалар орқали Мирзони текшириб кўрди. Унинг "соф миллатчи" муҳожир эканига имон ҳосил қилди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

Имон келтирмоқ «Ло илоҳа» оятини ўқиб, худога ишонч-эътиқод билдирмоқ. *Эшон.. бўғилиброқ давом этди: -Йўқ, банданинг иши ҳақ таолога имон келтирмоқ!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу одамлар худога эртаю кеч ибодат қилар, ҳар бир сўзда унга имон келтирар.. эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Имони комил** Шак-шубҳаси йўқ, бутунлай ишонади. *Бироқ Элчиевнинг имони комилки, шу*

аснода ҳеч ким қизичалик қаттиқ куймасди унга. Э. Аъзамов, Жавоб. **Имонини ютмоқ** *(ёки* **йўқотмоқ, сотмоқ**) 1) худога ишончни йўқотмоқ, диндан қайтмоқ; 2) *кўчма* виждонини сотмоқ, виждонсизлик қилмоқ.

ИМОНЛИ 1 *дин.* Имони бор, худога, динга ишонувчи; эътиқодли, художўй. *..тилга олинган ҳалоллик тушунчасига тўлиқ риоя этишлик имонли инсонлардагина зуҳур бўлади.* Газетадан.

2 Хиёнат қилмайдиган; ҳалол, виждонли. *Ҳозирда партияни чин имонли ва сиёсий тарбияга эга бўлган мустақил фикрли кишилар билан мустаҳкамлаш.. керак.* Газетадан.

ИМОНСИЗ 1 *дин.* Худога ишонч-эътиқоди йўқ, худодан, диндан қайтган; даҳрий.

2 Виждони йўқ, нопок. *Мен бу имонсиз чолнинг уддабуронлигидан ҳайронман.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Бунинг отаси Маҳмуд Мирзо бағоят имонсиз, бузуқ одам эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Шундай одамга нисбатли ҳақоратни билдиради; виждонсиз, диёнатсиз. *-Ҳой, имонсиз чол, Мирзаҳайдар акани нега қўшасан? — деди кимдир орқадан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИМОРАТ [*а.* عمارت — аҳоли зичлиги; бино қуриш; бино, хона] Яшаш ёки бошқа мақсад учун махсус қурилган уй, бино. *Иморат солмоқ. Ғишт иморат. Темир-бетон иморат.* ▬ *Зебихон Адолатни айлана қилиб солинган катта оқ иморатнинг бир хонасига бошлаб кирди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Биронта иморат йўқ. Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кўч бойнинг қўрғонидан нарироқда, пастгина девор билан айлантирилган, бутун иморати биргина айвончадан иборат бўлган қўрғончага туширилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уларда [туркманларда] иморат-бино йўқ эди, ҳаммаси ўтов тикиб ўтиришар эди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

ИМОРАТСОЗ [иморат + *ф.* ساز — қурувчи, яратувчи] Иморат қурувчи уста. *Сатторнинг иморатсоз уста акаси районга кўчиб кетган, синглиси қўшни қишлоққа тушган.* П. Қодиров, Эрк.

ИМОРАТЧИ *с.т. айн.* **иморатсоз.**

ИМОҚ *шв.* Қалин (қуюқ) туман.

ИМПЕРАТОР [*лот.* imperator — ҳукмдор, қўмондон] **1** *тар.* Рим республикаси ва империясида подшо, саркарда, қўмондоннинг фахрий унвони.

2 Айрим йирик, кўп миллатли давлатларда подшоҳларга берилган унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Хитой императорлари. Россия императори.* ▬ *Бу тўғрида императори аъзамнинг катта амалдорларидан бўлиб.. жаноби олийнинг хизматларига кирган бу меҳмонлар: Петров тўра ва Искандар тўра гапириб берадилар.* С. Айний, Қуллар.

ИМПЕРИАЛИЗМ [*фр.* imperialisme < *лот.* imperium — буюриш; бошқариш; ҳокимият] Ҳудудларни кенгайтиришга, мустамлакалар босиб олишга, бошқа давлатлар устидан сиёсий ёки иқтисодий назорат ўрнатишга қаратилган давлат сиёсати; марксизмда: капитализм тараққиётининг энг юқори ва сўнгги босқичи, монополистик капитализм.

ИМПЕРИАЛИСТ Империализм сиёсатини юргизадиган йирик капиталист. *..империалистлар уруш оловини ёқиб, халқларни қон ва ўлимга ғарқ қилмоқчилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ИМПЕРИАЛИСТИК Империализмга оид; империализмга асосланган. *Империалистик давлатлар. Империалистик урушлар.*

ИМПЕРИЯ [*лот* imperium — юқори ҳокимият] **1** Подшоҳ, қирол, император бошқарадиган йирик, кўп миллатли давлат.

2 Бир қанча мустамлака ерлари бўлган, тоталитар тузумга асосланган йирик давлат.

ИМПИЧМЕНТ [*ингл.* impeachment — танбеҳ бериш, айблаш; судга бериш] Баъзи бир мамлакатларда олий мансабдор шахслар (президент, ҳукумат бошлиғи ва ш.к.) ни қилган жиноятлари, қонунбузарликлари учун жавобгарликка тортиш ҳамда уларнинг ишларини судда кўриб чиқиш, ваколатларидан маҳрум қилишнинг алоҳида тартиби.

ИМПОРТ [*ингл.* import < *лот.* importare — киритмоқ; олиб кирмоқ] **1** Ички бозорда сотиш ёки учинчи бир давлатга транзит қилиш учун мамлакатга чет эллардан товарлар, хизматлар, қимматли қоғозлар ва б. олиб кириш; *зид.* **экспорт**. *Машиналар ҳамда бошқа мураккаб асбоб-ускуналарга бўлган бир оз эҳтиёжнинг ҳам қарийб ярмиси импорт ҳисобига қондирилар эди.* «Иқтисодий география» (дарслик).

2 Шундай тарзда ва мақсадда олиб кирилган товар ва б. *Тўйим бўлиб қолди деган*

эдингиз, импорт гарнитура тахт. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Магазинга келган импорт — сўнгги модадаги жинси шимдан шу магазин мудирининг ўғли Тойлоқжон қуруқ қолди.* Газетадан. *Мақсадимиз ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлари билан тўлдиришдан иборат.* Газетадан.

ИМПОРТЁР [*ингл.* importer < *лот.* importare — олиб кирмоқ] Импорт билан шуғулланувчи шахс ёки ташкилот.

ИМПОТЕНЦИЯ [*лот.* impotentis — заифлик, кучсизлик] Эркакнинг жинсий ожизлиги, қониқарли жинсий алоқа қила олмаслиги.

ИМПРОВИЗАТОР Олдиндан тайёрланмасдан, лозим келган вақтнинг ўзида шеър айтиб юборувчи, куй яратувчи ёки нутқ сўзловчи шахс.

ИМПРОВИЗАЦИЯ [*итал.* improvvisazione < *лот.* improvisus — олдиндан кутилмаган, кўрилмаган; тўсатдан, бирдан] **1** Олдиндан тайёрланмасдан, лозим бўлган пайтнинг ўзида шеър, куй, мусиқий пьеса ижод этиш.

2 Ижро жараёнининг ўзида яратилган бадиий асар (шеър, мусиқий пьеса ва ш.к.).

ИМПУЛЬС [*лот.* impulsus — зарба, туртки; тўқнашиш] **1** Нерв қўзғатувчилари фаолияти туфайли нерв толалари бўйлаб тарқаладиган қўзғалиш; ички интилиш, туртки. *Минерал сув таркибида бўлган турли қўзғатувчиларнинг терига таъсири марказий нерв системасига борувчи импульсларни пайдо қилади.* «Фан ва турмуш».

2 *физ.* Ҳаракат миқдори (жисм массаси ва тезлиги кўпайтмасига тенг бўлган миқдор).

ИМРАНМОҚ *шв.* Оғриқ-азоб чекмоқ, оғриқ-азоб билан қийналмоқ. *Айта берсам, адо бўлмас армоним, Қайтайин, имранди тандаги жоним.* «Ҳасанхон». *Боғбон бўлса, боғнинг гули терилди, Устухон имраниб, бағри тилинди.* «Ширин билан Шакар».

ИМСИЗ-ДИМСИЗ Гап-сўзсиз, ҳеч нарса демай. *Орқамга қиё боқсам, юлдузи иссиққина бир аёл ишхонам остонасини боса, ичкари кирмоқда. Ажаб.. имсиз-димсиз сўрашдик.* С. Азимов, Икки дил, икки олам.

ИМТИЁЗ [*а.* إمتياز — ортиқча ҳуқуқ; енгиллик; тафовут; фарқ(лаш)] Муайян сабабларга кўра айрим шахслар ёки ташкилотларга бериладиган алоҳида, ортиқча ҳақ-ҳуқуқ, шароит, енгиллик. *Қишлоқ ўқитувчилари учун белгиланган имтиёзлар.* ▬ *Энг муҳими, Марказ ўзининг фаолияти давомида ҳар қандай солиқлардан озод этилиши ёки маълум имтиёзларга эга бўлиши лозим.* Газетадан. *Хуллас, унга бериб қўйилган чексиз имтиёз салтанатнинг бошига бир кун бориб бало бўлишини сарой аҳли тилида бўлмаса ҳам, дилида мулоҳаза қилар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИМТИЁЗЛИ Имтиёзга эга, имтиёз берилган. *Улар Камолиддин Беҳзод номидаги Рассомлик ва дизайн институтига имтиёзли тарзда, имтиҳонсиз қабул қилинадилар.* Газетадан.

Имтиёзли диплом Ўқув юртини аъло баҳолар билан битирганларга бериладиган диплом. *Элмурод институтни имтиёзли диплом билан тамомлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ИМТИҲОН [*а.* إمتحان — синов; тажриба] **1** Ўқув муассасаларида талабаларнинг ўқув дастурларида белгиланган билимни қанчалик ўзлаштирганлигини текшириш, сўраб, синаб кўриш ва баҳолаш. *Институтга кириш имтиҳони. Имтиҳон комиссияси. Имтиҳон бермоқ (топширмоқ). Имтиҳон олмоқ.* ▬ *Бир томонда ёзги имтиҳонлар ҳам яқинлашиб қолибди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Азиза қишки имтиҳонларни топшириб, районга қайтиши билан ишга тушиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Умуман, синов, текшириш. *Бу савол ўзига ишонарли жавоб талаб қилиш билан бирга, асрлар бўйи тарғиб ва татбиқ қилиб келинаётган бир асос мантиқига имтиҳон ҳам эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Зўр жасорат билан ҳужум бошлаган азаматлар табиатнинг даҳшатли кучи — бўрон устидан ғолиб келдилар ва қийин имтиҳондан шараф билан ўтдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Давлат имтиҳони Ўқув муассасасини битиришда ўтказиладиган расмий имтиҳон. *Набижон биринчи давлат имтиҳонини топширган куни Муборак уни катта гулдаста олиб келиб табриклади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. **Имтиҳон қилмоқ** Синаб кўрмоқ, синовдан ўтказмоқ. *Сергей Қобилни яна бир бор синаб кўришга, унинг виждонини, иззат-нафсини сўнгги марта имтиҳон қилишга қарор берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *..журналнинг сўнгги сонларидан*

бирида босилган фалсафий бир мақола тўғрисида сўз очиб, зимдан уни имтиҳон қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИМТИҲОНСИЗ Имтиҳон олмай ёки топширмай; беимтиҳон. *Институтга имтиҳонсиз кирмоқ. Имтиҳонсиз қабул қилинмоқ.*

ИН 1 Қуш, ҳашарот ва ҳайвонларнинг яшаш, бола очиш учун қурган жойи; уя. *Қарқуноқ ини. Арининг ини. Тулкининг ини. Яхши сўз билан илон инидан чиқар.* Мақол.

2 *кўчма* Инсоннинг яшаш жойи; уй. *Бу — иссиқ инни ташлаб, совуқда қалтираб, иссиқ инни қўмсаш, деган сўз эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *[Одамзод] Киндик қони тўкилган жойни тарк этса, қушмижоз бўлиб қоларкан. Қаерда яшаш қулай бўлса, ўша ерга ин қураверар экан.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Бирор нарса, одамлар эгаллаган жой; макон. *Айитбой жанговар учувчи бўлган экан. У фашистлар инига неча марталаб қирғин солибди.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди. *Баъзи ташвиқотчилар хурофотга, эскиликка қарши мажлисларда ўт очадилар.. бироқ ўз уйлари хурофотнинг чирик ини эканини билмайдилар.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Улар очлик, қашшоқлик ва касалликлар ини бўлган хароб кулбалар олдида тўп-тўп йиғилиб, нималардир тўғрисида суҳбатлашардилар.* Ойбек, Нур қидириб.

Ари(нинг) ини Гавжум ва серҳаракат (тинимсиз) жойга нисбатан қўлланади. *Гузар бир зумда ари инига айланди.* М. Исмоилий. Фарғона т.о. **Инига (***ёки* **ин-инига) уриб (***ёки* **кириб) кетмоқ** Ўзини панага (ҳеч ким кўрмайдиган, топмайдиган жойга) олмоқ; яширинмоқ. *..карвонсарой кўпдан бери номигагина карвонсарой бўлиб.. илгариги чирвон санайдиган маст-аласт бойваччалар ин-инига уриб кетган эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Полиция маҳкамасининг мирзаси Тожихон Турсунхўжа ўғлининг.. келиши билан одамлар ин-инига кириб кетар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Сичқоннинг ини минг танга** *қ.* **сичқон. Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига** *қ.* **сичқон.**

ИНАУГУРАЦИЯ [*лот.* inaugurare — бағишламоқ; атамоқ, ном (унвон) бермоқ] Давлат бошлиғининг шу олий лавозимни бажаришга киришиши ва шу муносабат билан ўтказиладиган тантанали маросим (Рим папасининг шу лавозимни бажаришга киришишидаги маросим ҳам шундай аталади). *Колумбияда мамлакатнинг янги президенти қасамёд қабул қилди. Инаугурация маросими хавфсизлик чоралари кучайтирилган ҳолда ўтди.* Газетадан.

ИНВАЛИД [*лот.* invalidus — кучсиз, кувватсиз; ароқсиз] *қ.* **ногирон.** *Уруш инвалиди.* ▬ *..жаҳл чиқса, ақл кетади деганларидек, Қори кечагина фронтдан келган инвалид ўғлини ҳам тепиб юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Зуҳра, ойинг нима иш қилади? -Ишламайди, инвалид.* С. Зуннунова, Янги директор.

ИНВАЛИДЛИК *қ.* **ногиронлик.**

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ [*нем.* Inventarization < *лот.* inventarium — рўйхат, рўйхатга олиш] Корхона, муассаса, хўжалик ва ш. к. нинг балансида турган ашёларнинг мавжудлигини, қандай сақланаётганлигини, шунингдек, омбор хўжалиги бўйича маълумотларни даврий равишда текширишдан ўтказиш, йўқлама қилиш.

ИНВЕНТАРЛАШ *айн.* **инвентаризация**. *Марғилон шаҳар техник инвентарлаш бюросидан ўрток Ғафуров келиб, йўлак лойиҳасини чизиб кетди.* Газетадан.

ИНВЕНТАРЬ [*фр.* inventaire < *лот.* inventarium — рўйхат, рўйхатга олиш] **1** Хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришга оид турли ашёлар мажмуи. *Қишлоқ хўжалик инвентари. Тиббиёт инвентарлари.* ▬ *Санаторий-профилакторий зарур инвентарлар, тиббиёт аппаратлари билан тўла таъминланган.* Газетадан.

2 Шу хилдаги мол-мулкнинг тўла рўйхати. *Инвентарь тузмоқ. Инвентарга олмоқ.*

Жонли инвентарь Хўжаликка, ишлаб чиқаришга мансуб от-улов, ҳайвон, парранда ва ш.к.

ИНВЕРСИЯ [*лот.* inversio — ўрин алмаштириш] *тлш.* Нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида гапда сўзларнинг одатдаги (тўғри) тартибини ўзгартириш; тескари тартиб (*сени кўрдим — кўрдим сени*).

ИНВЕСТИЦИЯ [*нем.* Investition < *лот.* investire — кийинтирмоқ, сарпо бермоқ] Мамлакат ичкарисида ёки чет элда, фойда кўриш мақсадида, бирор корхонага, иқтисодиётнинг муайян тармоғига капитал қўйиш, киритиш ва шундай капиталнинг ўзи. *Вилоятларда хорижий инвестициялар билан қурилаётган корхоналар яқин орада, албатта, ўз натижасини беради.* Газетадан. *Бугунги кунда инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётимизнинг улуғвор вазифаларидан биридир.* Газетадан.

ИНВЕСТОР [*ингл.* investor < *лот.* investire – кийинтирмоқ] Инвестиция фаолиятини амалга оширувчи шахс, ташкилот ёки давлат. *Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилайди.* Газетадан.

ИНГ *тақл. с.* Чақалоқнинг йиғисига ўхшаш овоз ҳақида. *Инг демоқ. Инг деган овози чиқмади.*

Инг йўқ, жинг йўқ. Индамасдан, жимгина, сўзсиз. [*Нури:*] *Дадамда бир малай бор.. Қорни тўқ, эгни бутун бўлса бас. Инг йўқ, жинг йўқ ишлайверади* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНГА *тақл. с.* Чақалоқ йиғисига тақлидни билдиради. *Темир йўл ишчилари турадиган тунука томли умумий ётоқхонанинг чеккадаги хонасидан гўдак ингаси, Ҳадянинг алласи эшитиларди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ИНГАЛАМОҚ «Инга-инга» деган овоз чиқармоқ, шундай овоз билан йиғламоқ. *Бирдан бошқа бир овоз эшитилди: кимдир тез-тез гапиради; дам эркакча, дам хотинча сўзлайди, дам чақалоқ бўлиб ингалайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНГАЛЯТОР 1 Ингаляция учун қўлланадиган асбоб, қурилма.

2 Ингаляция йўли билан даволаш хонаси, кабинети.

ИНГАЛЯЦИЯ [*лот.* inhalare – нафас олмоқ] Буғ ёки газга айлантирилган дорилардан, шифобахш денгиз ҳавосидан нафас олиб даволаниш усули.

ИНГИЛЛАМОҚ «Инг-инг» деган товуш чиқармоқ (асосан, гўдакнинг йиғиси ҳақида). *Кенжамизни тиззамга олдим. У дастурхонни олиб кетаётган онасига қўлини чўзиб ингилларди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ИНГИЧКА 1 Кўндаланг кесими меъёрдан кичик; *зид.* **йўғон**. *Ингичка ип. Ингичка сим. Ингичка толали пахта. Ингичка толали жун.* ▬ *Секретарнинг чўзиқ ва қотма юзи ҳам, ингичка сариқ қоши ҳам нам эди.* Х. Тўхтабоев, Шонли авлод.

2 Чийилдоқ, ўткир (товуш ҳақида). *Унинг ингичка товуши менга танишдай туюлди.* ▬ *Қизиқчи ингичка, қулоқни тешадиган даражада қаттиқ додлаганидан ҳамма кулиб юборди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 *кўчма* Нозик ифодали, нозик. [*Ёрмат*] *Қўлини аллақандай чуқур, ингичка маъно билан бўшанг силкиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу чучмал адоват билан ингичка табиатли Анварнинг не кайфиятга тушишини тасаввур қилолмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ингичка ичак *қ.* **ичак**.

ИНГИЧКАЛАМОҚ Йўниб ёки чўзиб ингичка қилмоқ. *Қаламнинг учини ингичкаламоқ.* ▬ *Чол дукнинг учини ингичкалар экан, кулиб қўйди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИНГИЧКАЛАШМОҚ Ингичка ҳолга келмоқ, ингичка тортмоқ. *Болаларча кулумсираган ва юқоридан пастга майин ингичкалашган оқ, тиниқ юзи, қалам билан чизилгандек ингичка, маънодор қошлари.. бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўкда бир тилим қовундек ингичкалашган ой атрофни хира ёритарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ИНГЛИЗ 1 Англия туб аҳолисининг номи.

2 Шу аҳолига (халққа) мансуб. *Инглиз тили. Инглиз олими.*

ИНГЛИЗЛАР Англиянинг туб аҳолиси, асосий халқи.

ИНГЛИЗЧА 1 Инглиз халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Инглизча ёзув. Инглизча кийим.*

2 Инглиз тили. *Сен инглизчани биласанми? Инглизча гапирмоқ.* ▬ *Мен ўзбек эканимни, инглизчани қаерда ўрганганимни сўради.* «Гулдаста».

ИНГРАМОҚ 1 Оғриқ-алам таъсирида мунгли, ингроқ товуш чиқармоқ. *Бир кечаси бемор жуда азоб тортди. У ҳар инграганда, Сотиболди, чаккасига буров солинган кишидай, талвасага тушар эди.* А. Қаҳҳор, Бемор. *Бу дард ўқтин-ўқтин юрагида шундай тўлғанардики, қиз беихтиёр инграб юборар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *кўчма* Шундай азоб-аламли ҳолатда бўлмоқ. *Мустамлака халқлари империализм зулми остида асрлар бўйи инграр эди.* ▬ *Тўрт ўғлим, хотиним Иванов отли бир бойнинг отхонаси ёнидаги кичкина, қоронғи зах уйда инграб кун кечирардик.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

ИНГРАНМОҚ *қ.* **инграмоқ**. *Етти хуфтонга бориб ухлаб қолди. Бироқ тушида ҳам тинчимади: ингранади, ғудранади, Тўлғонойни чақиради.* С. Сиёев, Аваз.

ИНГРОҚ Инграган товуш. *Ингроқларга тўлиб кетган тун: Ғамгин қўшиқ айтади*

кимдир. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Раиса типирчилаб йиғлайди, аммо чап томондан эшитилаётган ярадорлар ингроғи гўдак йиғисини босиб кетади.* А. Абдуазимов, Ногиронлик сезмасин қадрдонларим.

ИНДАЛЛО [*а.* عندالله — оллоҳ ёнида, яқинида; оллоҳга яқин]: **гапнинг индаллоси** Гапнинг бўлгани, очиғи. *Сайдаз бирдан тутақиб*: *-Ахир, ўзинг гапнинг индаллосини айт: Зариф Усмонов қаёқда-ю, сен қаёқда?! — деди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, уст-бошимиз бутлиги, дастурхонимиз тўкин-сочинлиги.. ҳамжиҳатлигимизга боғлиқ.* Газетадан.

ИНДАМАС 1 Индамоқ фл. бўлишсизлик ва кел. зам. гум. шакли. *Томга чиқсак, ҳеч ким индамасмикин?*

2 Жуда кам гапирадиган; камгап, дамдуз. *Индамас одам.* ▬ *-Ҳамма гап пулда экан, Охун, — тошкентлик бир индамас мардикор сўзга аралашди, — мен ўттиз қироннинг юртини кўрмадим, лекин оқподшонинг ўттиз шаҳрини кездим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНДАМОҚ (*фақат бўлишсиз шаклда)* Бирор нарса демоқ; гап, сўз айтмоқ; гапирмоқ. *Индамай иш қилмоқ. У индамай ўтиб кетаверди..* ▬ *Мастура эса менга бир қаради-ю, танимади шекилли, индамади.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ИНДЕЙС Индейсларга мансуб. *Индейсларнинг тиллари. Индейс аёл.*

ИНДЕЙСЛАР Америка қитъасида европаликлар пайдо бўлмасдан, у ерда яшаган, ҳозир фақат Шимолий ва Жанубий Американинг айрим ҳудудларида сақланиб қолган қадимги ерли қабила ва элатларнинг умумий номи.

ИНДЕКС [*лот.* index — кўрсаткич; сарлавҳа] **1** Бирор нарсанинг ном, баҳо ва ш. к. кўрсаткичи, рўйхати. *Чиқарилаётган китоблар индекси. Товарлар индекси.*

2 *иқт.* Иқтисодий ҳодисаларнинг тадрижий ўзгаришларини фоизлар ҳисобида ифодаловчи рақам кўрсаткичлари. *Меҳнат унумдорлиги индекси.*

3 *мат. ким.* Асосан, математик ифода, кимёвий элемент рамзи остига қўйиладиган ҳарфий ёки сон кўрсаткич.

ИНДЕКСАЦИЯ [< *лот.* index — кўрсаткич; рўйхат] Инфляция шароитида пулнинг ва турли даромадларнинг ҳақиқий қийматини (маошни ошириш, товон тўлаш ва б. йўллар билан) сақлаб қолиш; истеъмолчиларни инфляциядан ҳимоя қилиш усулларидан бири.

ИНДИВИД *айн.* **индивидуум.** *Лутфдан мароқланиш, лаззат олишда индивиднинг характери, таъби, фаҳм-фаросати катта аҳамиятга эга.* «ЎТА».

ИНДИВИДУАЛ [*лот.* individuus — ажралмас, ажралмаган, парчаланмаган] Ҳар бир шахс ёки нарса-ҳодисага оид. *Индивидуал хусусиятлар.* ▬ *Шу билан бирга, минтақада ижтимоий ва индивидуал психология, аҳволи ва келиб чиқиши у ёки бу даврда юзага келган кўплаб ижтимоий ва ижтимоий-психологик ҳодисаларни тушунишга имкон беради.* «Фан ва турмуш». *«Саодатнинг қиссаси» очеркидаги бошқа персонажлар ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятларга эгадир.* «ЎТА».

ИНДИВИДУАЛИЗМ [*фр.* individualisme < *лот.* individuum, individuus — бўлинмас, ажралмас] **1** Шахсий манфаатларни жамият, жамоа манфаатларидан юқори қўювчи ёки айрим шахсни жамиятга қарама-қарши қўювчи нуқтаи назар. *Маълумки, Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.* Газетадан.

2 Ўз шахсини жамоага қарши, ундан юқори қўйишга интилиш ва шундай хатти-ҳаракат ифодаси. *Индивидуализмга қарши кураш.*

ИНДИВИДУАЛИСТ Ўз қарашлари, хатти-ҳаракатида индивидуализм белгиларини намоён қилувчи шахс; худбин. *Киши қайси даражаларда индивидуалист бўлмасин, на даражаларда ўзини кўпчиликдан четга олмасин, баҳарҳол кўпчиликнинг.. тарбияси ҳазил гапга ўхшамайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ИНДИВИДУАЛИСТИК 1 Индивидуализмга, индивидуалистга хос. *Индивидуалистик йўналиш.*

2 Индивидуализм билан суғорилган.

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРМОҚ Индивидуал белги-хусусиятларни эътиборга олиб, шу асосда алоҳида ажратмоқ. *Драматург Ҳамробуви ва Холнисолар нутқини индивидуаллаштирар экан, ундовлардан кенг фойдаланади ва қаҳрамонлар нутқининг жонли ва ҳаяжонли чиқишини таъминлайди.* «ЎТА».

ИНДИВИДУАЛЛИК Индивидга хослик, индивидга оид хатти-ҳаракат. *Инди-*

видуаллик тушунчаси инсон ўз фаолиятини ўзи бошқара олиш қобилиятини ифодалайди. «Мулоқот».

ИНДИВИДУУМ [*лот.* individuum – бўлинмас, ажралмас; алоҳида] Ўзига мустақил яшовчи ҳар бир тирик нарса (шахс, жонивор ёки ўсимлик); якка шахс. *Тилнинг индивидуумлар воситаси билан ижтимоий функция бажариши коллектив ичида намоён бўлади.* «ЎТА».

ИНДИГО [*исп.* indigo < *лот.* indicus – ҳиндий; ҳиндийларга мансуб] Айрим ўсимликлардан ёки синтетик тарзда олинадиган кўк рангли бўёқ; нил бўёғи.

ИНДИЙ [*лот.* indium < *исп.* indigo] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб, кумушсимон-оқ, осон суюқланувчи, жуда юмшоқ кимёвий элемент; нодир металл.

ИНДИКАТОР [*лот.* indicator – кўрсаткич] **1** *тех.* Текшириш (кузатиш) объекти бўлган нарсани ёки бирор жараённинг боришини назорат қилувчи, кузатиб (қараб) борувчи асбоб, мослама. *Айни пайтда ёзиб олинадиган овознинг паст-баландлиги индикатор орқали кузатилади.* F. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 *ким.* Кимёвий жараёнларнинг хусусиятларини, боришини, тугалланишини кўрсатувчи модда; реактив (ишқор ва кислоталар таъсиридан ўзгарадиган модда).

3 Берилган китобларни ҳисобга олувчи картотека (кутубхона ва ўқув залларида).

ИНДИН 1 *от* Эртадан кейинги кун. *Директоримиз эрта бор, индин бор, деб ишни кейинга суриб юбордилар.* «Муштум». *[Сутчи ота] Сут топширгани шаҳарга кетишларини айтиб, индинни тайин қилдилар.* А. Мирaҳмедов, Кулган чечаклар.

2 *рвш.* Эртадан кейинги кун; индин(и)га. *Эрта ўтиб, индин яна тўпланадиган бўлдик.*

ИНДИН(И)ГА Эртадан кейинги куни. *Қоғозингни нима қиламан!.. Индинга саёҳат бўлса-ю, ҳали кўпчилик билмаса!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Эртасига ҳам, индинига ҳам сўроқ давом этди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ИНДОВ Крестгуллилар (бутгуллилар) оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик (Уруғидан халқ табобатида, мойидан эса кўнчилик, тўқимачилик ва бўёқ саноатида фойдаланилади). *Борди-ю, ўша ерларга чигит эмас, индов-рапс, кузги сули, қора буғдой сепилганда, ҳар гектаридан камида тўқсон центнердан ҳосил ўрдирган бўлардингиз.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ИНДОВЧИ *с.т.* Ундовчи, сўзловчи, гапирувчи.

ИНДОНЕЗ 1 Индонезия туб аҳолиси (халқи)нинг номи.

2 Индонез халқи (миллати)га мансуб. *Индонез тили. Индонез аёл.*

ИНДОНЕЗЛАР Индонезиянинг туб аҳолиси, халқи.

ИНДУКТИВ 1 *мнт.* Индукцияга оид; индукцияга асосланган. *Индуктив метод.*

2 *физ.* Индукцияга оид, индукция орқали содир бўладиган, вужудга келадиган. *Индуктив алоқа.*

ИНДУКТОР [*лот.* inductor – киритувчи, тўғриловчи; қўзғатувчи] **1** Қўл билан ҳаракатга келтириладиган, юқори кучланишли электр токи ҳосил қиладиган асбоб.

2 Электрогенератор ёки динамомашиналарда магнит майдони ҳосил қиладиган магнит ёки электромагнит.

ИНДУКЦИОН *физ.* Индукцияга оид; индукция натижасида пайдо бўлган. *Индукцион ток. Индукцион ғалтак.*

ИНДУКЦИЯ [*лот.* inductio – буриш, тўғрилаш; қўзғатиш] **1** *мнт.* Жузъий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосага келиш; *зид.* **дедукция.**

2 *физ.* Электр ўтказгичнинг магнит майдонидаги ҳаракати натижасида ёки ўтказгич атрофидаги магнит майдонининг ўзгариши натижасида ўтказгичда электр токи ҳосил бўлиши.

ИНДУСТРИАЛ Оғир ва енгил саноатга оид; индустрияга ва унинг тараққиётига боғлиқ бўлган. *Индустриал ва аграр мамлакатлар. Қишлоқ хўжалигининг индустриал базаси.*

ИНДУСТРИЯ [*лот.* industria – меҳнатсеварлик, тиришқоқлик] Саноат; халқ хўжалигининг жамият иқтисодий ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган муҳим тармоғи.

Оғир индустрия Оғир саноат – ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи (мас., машинасозлик, металлургия). **Енгил индустрия** Енгил саноат – кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи.

ИНДУСТР(ИЯ)ЛАШ Халқ хўжалигининг барча соҳаларида йирик машина ишлаб чиқариш жараёнини юзага келтириш; ишлаб чиқариш тармоқларини машина техникаси асосига ўтказиш. *Қишлоқ хўжалигини индустриялаш.* ▬ *Ҳозир биз мамлакатни индустрлаш планини амалга ошираётибмиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИНДУСТР(ИЯ)ЛАШМОҚ Машина техникасига асосланмоқ. *Индустр(ия)лашган қишлоқ хўжалиги. Индустр(ия)лашган мамлакат.*

ИНЕРТ [*лот.* iners, inertis – ҳаракатсиз]**:** **инерт газлар** Менделеев даврий системасининг нолинчи гуруҳидаги элементларнинг умумий номи.

ИНЕРЦИЯ [*лот.* inertia – фаолиятсизлик, қўзғалмаслик] **1** *физ.* Жисмларнинг, бирор ташқи куч мажбур этмагунча, тинч ҳолатини ёки изчил, бир маромли ҳаракатини сақлаш хусусияти. *..гелиоцентризм ғояси билан механиканинг инерция қонунини биринчи марта бир-бирига боғлаган олим Берунийдир.* Газетадан.

2 *кўчма* Аввалда бўлган таъсир этувчи сабаб, куч ва ш.к. нинг давом этиши.

ИНЕРЦИЯЛИ Инерцияга асосланган. *Инерцияли ҳаракат. Инерцияли аккумулятор.*

ИНЖА Нозик (янгилик, ёқимлилик ва ш.к. белгилари билан). *Ҳар гул алоҳида айласин баён Инжа муҳаббатим, тошқин севгимни.* Миртемир. *Узун бўйли, инжа белли бир малак эди.* Ҳ. Олимжон. *Барча ҳалимлик, зарифлик, майинлик, энг нодир ва инжа фазилатлар она тилимизнинг турли товланишларидан.* Газетадан.

ИНЖАЛАШМОҚ *кам қўлл.* Инжа ҳолга келмоқ. *Дағаллашдим – салга жаҳлим чиқади, Инжалашдим – салга қувончим дунё.* Рауф Парфи.

ИНЖЕНЕР [*фр.* ingenieur < *лот.* ingenium – туғма хислат, ақл, ижодкорлик] Техниканинг бирор соҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассис; муҳандис. *Тоғ инженери. Ҳарбий инженер.* ▬ *«Электрстанцияни тезроқ битириш учун ўртоқ Мавлонбеков катта инженер олиб келибдилар», деган хабар бутун қишлоққа тарқалди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИНЖЕНЕРЛИК Инженер касби. *Инженерликка ўқимоқ.* ▬ *Саиджон, ўқишни боплайвер.. Ўзим инженерлик ўқишига киришингга ёрдам бераман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ИНЖИЛ [*а.* إنجيل < *юн.* euangelion – хуш, яхши хабар] Библиянинг бир қисми бўлиб, христиан динининг афсонавий асосчиси Исонинг «ердаги ҳаёти» ҳақидаги ҳикоялардан тузилган тўрт диний китоб. *Ўруснинг «Инжил»ини ўқияпсанми, деб сўраган эдим, бунга ҳам жавоб бергуси келмади.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ИНЖИМОҚ *шв.* Ранжимоқ. *Инжимасангиз, шу болангизни бир ера юборсангиз.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ИНЖИРҒА: инжирғаси чиқмоқ. Жуда эзилмоқ.

ИНЖИҚ 1 Унча-мунчани ёқтирмайдиган, айтганга кўнавермайдиган (юравермайдиган). *Аваз ўз феълини билади: у инжиқ, юраги тор, қўрс.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бу воқеадан сўнг у тўнини тескари кийиб, ўта инжиқ бўлиб қолди.* «Ёшлик».

2 Серхархаша. *Бола йиғлоқи, инжиқ, салдан-салга ётоқхонани бошига кўтарар..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 *кўчма* Ташвиш-хархашаси кўп; машаққатли; ўзгарувчан, бир хилда турмайдиган. *Кузнинг биринчи ойи тугаб, октябрнинг ёғинсочинли инжиқ кунлари бошланди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Ҳеч қайси экин пахтадек мураккаб, талабчан, инжиқ ва машаққатли эмас.* Газетадан.

ИНЖИҚЛАНМОҚ 1 Инжиқлик (хархаша) қилмоқ (*қ.* **инжиқ 2**). *-Керак бўлса, ёзамиз! – деди Қамариддин ва Икромага қараб олгач, инжиқланаётган ўғлини туртди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 Инжиқлик қилмоқ (*қ.* **инжиқ 3**). *Шивалаб ёғиб турган ёмғир ҳам тўхтагандек бўлди-ю, лекин баъзан-баъзан инжиқланиб, яна шамол аралаш такиллаб қўярди.* Мирмуҳсин, Умид.

ИНЖИҚЛАШМОҚ Инжиқ ҳолатли (хусусиятли) бўлмоқ. *Муқимий кейинги ҳафталарда ортиқ инжиқлашиб, одам ёқтирмайдиган.. бўлиб қолган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ИНЖИҚЛИК 1 Инжиқ хатти-ҳаракат, хусусият. *Нигора ўзининг инжиқлиги билан онасини ноқулай аҳволда қолдирганини пайқаб, шартта орқасига ўгирилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Акс (терс) хатти-ҳаракат, «қилиқ» (*қ.* **инжиқ 3**). *Табиатнинг йил давомида кўрсатувчи инжиқликларидан ҳеч ким башорат қила олмайди.* «Саодат».

ИНЖУ I **1** Марварид, дур. *Тўй оқшоми инжу таққан етим қиз, Мажнунтолнинг маржонида булдуриқ.* Ғ. Ғулом. *Кўзларидан оққан томчилар қуёшда инжудай ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Инжуга нисбатланган нарса. *Дўстимдир ложуворд, шалдироқ сувлар — менинг юрагимга оққан инжулар.* Ж. Камол. *Жавоҳирга, инжуга тўлмиш Олтин чаноқ — олтин кўзалар.* Уйғун.

ИНЖУ II *тар.* Чингизхон хонадони аъзоларига тегишли ер-сув; кейинчалик шоҳлар, амирлар, хонлар хонадони аъзоларига тегишли ер-сув.

ИНИ 1 *айн.* **ука.** *Йиғим-терим вақтида бир фалокат юз бериб, Ҳасан ўз инилари ва уларнинг болаларидан ажралди.* С. Айний, Қуллар.

2 (1-ш. бирл. эгалик шаклида — ***иним***). Ўзидан ёш эр кишига, уни ўзига яқин тутиб мурожаат этиш шакли. *Иним Содиқбой, ишимиз жуда хом ҳали!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мулла Ғулом, бу тўғрида сиз нима дейсиз, иним?* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ИНКАССАТОР [*итал.* incassare — қутига солмоқ; кассага пул қабул қилмоқ] Асосан муассасалар ва ташкилотлардан бирма-бир юриб пул йиғиш ҳамда уларни банкка топширишга вакил қилинган мансабдор шахс.

ИНКАССО [*итал.* incasso — кассадаги нақд пул] Банк операциясининг тури, бунда банк ўз мижозлари топшириғига кўра улар ўрнига турли ҳужжат (вексель, чек ва б.)ларга асосан, мижозга тегишли пулларни қабул қилади ва унинг ҳисобига киритиб (ёзиб) қўяди.

ИНКВИЗИТОР [*лот.* inquisitor — изловчи, қидирувчи; айғоқчи] Инквизиция судининг аъзоси.

ИНКВИЗИЦИЯ [*лот.* inquisitio — қидирув; тергов] *тар.* Эркин фикрловчи, даҳрий, мавжуд черков тартиб-қоидаларига қарши чиққан кишиларни, шунингдек, яҳудийларни таъқиб ва суд қилиш учун 13-аср бошларида католик черкови томонидан тузилган, бевосита Рим папасига бўйсунган суд-полиция ташкилоти.

ИНКИШОФ [*а.* إنكشاف — очиш, топиш] *кт.* Кашф этилиш; очилиш, очиш. *Дўстим, орқадошим Ғафур! Олтмиш ёш — шоирларнинг авжи етуклик ёши. Бу сенинг ижодинг ва талантингнинг инкишофидир.* Ойбек, Ижод булоғинг ҳамиша қайнасин.

Инкишоф этмоқ Кашф этмоқ, топмоқ. *Серноз экан, дегин, гулбадан, Минг хил ҳийла инкишоф этдим, Кўндирганда.. уйғониб кетдим!* А. Мухтор.

ИНКОР [*а.* إنكار — рад этиш, тан олмаслик, қабул қилмаслик] Тан олмаслик, қабул ёки тасдиқ этмаслик; рад. *Бунда инкорни инкор қилиш янги тажрибавий далиллар асосида бўлади ва у баъзан катта даврни талаб қилади.* Газетадан.

Инкор гап *тлш.* Инкор мазмунли гап. **Инкор этмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) Тан олмаслик, бўйинга олмаслик; рад этмоқ. *Келинингиз мендан яхшилик кўрмас, демаганми эдим? Сиз билан отам бунга кўнмаган эдингиз, сиз буни инкор қиласизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИНКОРПОРАЦИЯ [*лот.* incorporatio — бутунга қўшиш; бирга қўшиш] Амалдаги тарқоқ қонун ва меъёрий ҳужжатларни, уларнинг мазмунини ўзгартмаган ҳолда, хронологик ёки алифбо тартибида, мавзулар бўйича тартибга солиш (системалаштириш).

ИНКУБАТОР [*лот.* incubare — тухум бостириб жўжа очирмоқ] **1** Тухумдан сунъий йўл билан [тухум бос(тир)май] жўжа очириладиган аппарат. *Айниқса, инкубаторларни ремонт қилиш.. ишлари ниҳоясига етказилмади.* Газетадан.

2 *с.т. айн.* **инкубатория.** *Инкубатордан уруғ келтирилган дастлабки кунларни эслади Баҳри опа..* М. Қўшоқов, Катта хирмон жилғаси.

ИНКУБАТОРИЯ Тухумдан сунъий йўл билан жўжа ёки пилла қурти очириладиган махсус жой. *Қурт уруғини инкубаторияда очириш.* ▬ *..бир вақт Икрома буви қатнаб юрган инкубатория ёнида заводнинг кутубхонаси бор..* А. Мухтор, Кумуш тола. *Икки ҳафтадан кейин Дармонжон инкубаториядан қурт келтириб берди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ИНКУБАТОРХОНА *с.т. айн.* **инкубатория.** *Инкубаторхонада очирилган жўжа.*

ИНКУБАЦИЯ [*лот.* incubatio — тухум бостириб жўжа очириш] *махс.* Тухумдан жўжа ёки пилла қурти очириш. *Йил охири-*

гача фабриканинг инкубация хўжалиги ҳар тарафлама кенгаяди. Газетадан.

Инкубация даври 1) тухумдан жўжанинг очилиши даври; 2) *тиб.* касал юққандан унинг биринчи белгилари пайдо бўлгунча ўтадиган давр, касалликнинг яширин даври.

ИНКУБИСТ Инкубаторияда ишловчи киши. *Инкубист ва звено бошлиқлари билан бир ҳафталик курс ва семинар ўтказилиб, қурт боқиш агротехникаси ва илғор тажрибалар ўрганилди.* Газетадан.

ИНЛАМОҚ *кам қўлл.* Инига кирмоқ.

ИНЛАТМОҚ 1 Инламоқ фл. орт. н.

2 Овлаш, тутиш учун инига киритмоқ, инига қўндирмоқ. *Беклигимда суриб қилдим миннатим, Бир тулкини қувиб келиб инлатдим.* «Маликаи айёр».

ИНМОҚ 1 Ўтирмоқ, қўнмоқ. *Ойпарча, ҳазратнинг сўзлари таъсиридан кўзларига ёш инганча, мерганга қаради.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Баргларга шудринг инган, Ҳаво қимиздай тинган.* С. Акбарий.

2 *шв.* Юқоридан пастга тушмоқ. *Пода қирдан инди.* ▬ *Ўйнар бўрон, чир айланиб қор, тинмай инар кўкдан ер сари.* Уйғун.

3 *кўчма* Кирмоқ, пайдо бўлмоқ. *Суҳроб тоғасининг ушбу сўзларини эсларкан, титроқ вужудига қувват ингандай бўлди.* Газетадан. *Туни билан чўмдим хаёлга, кўзларимга инмади уйқу.* Н. Нарзуллаев.

ИННАЙКЕЙИН *с.т.* **1** Ундан кейин; сўнгра. *Аччиққина мастава қилганман. Шундан бир қошиқ ичасиз, иннайкейин сизга жавоб.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *крш. с. взф.* Бундан ташқари; шу билан бирга. *Шаҳар ҳам, қишлоқ ҳам бир гўру, лекин шаҳарда унча-мунча иш топилиб туради. Иннайкейин, шаҳарда турсанг, одамнинг кўзи ҳам очилар экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИННАНА *бол.* Узун ёғоч ёки тахтани бирор ғўла устига мувозанатли ўрнатиб, икки бошига икки киши ўтириб олиб, навбат билан кўтарилиб-тушиб ўйналадиган болалар ўйини ва шундай мосламанинг ўзи. *Уни бир чеккага қўйиб, ўзи узала тушиб ётган терак устида кўндаланг турган узун ходанинг бошига миниб, «иннана» ўйнай бошлади.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ИННОВАЦИЯ [*ингл.* innovation – киритилган янгилик, ихтиро] **1** *иқт.* Техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар.

2 Илғор техника ва технология, бошқариш ва б. соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши.

3 *тлш.* Муайян тилда, асосан унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари).

ИНОБАТ [*а.* إنابت – вакил қилиш, ваколат бериш; тавба қилиш, гуноҳдан қўл тортиш; кўз очилиши] **1** Ишонч; ишониш; ҳисоблаш, тушуниш. *Унинг ўзига ҳам, сўзига ҳам энди инобат қолмаганди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Назар-эътибор.

Инобат қилмоқ Тан олмоқ, ҳисобламоқ. *Мажлисга йиғилганлардан Юсуфбек ҳожи ва домла Солиҳбек охундлар, қушбегининг пир деб инобат қилган одамлари бўлганлиги учун.. бу таклифни бўйнига олди [Нормуҳаммад қушбеги].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Инобатга олмоқ** Эътиборга, назарга олмоқ, назарда тутмоқ; ҳисобга олмоқ; ҳисобда қайд этмоқ. *Ўйлаб иш қилинг. ҳукуматимиз ҳам ўша норасидаларнинг кўз ёшини инобатга олади.* С. Анорбоев, Оқсой. -*Сиз тузган планда Ботировнинг картаси инобатга олинмаган, – деди Николаев Каримовга.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Энди ўша одамлар унинг гапини, хоҳласа – инобатга олади, хоҳламаса – йўқ.* О. Ёқубов, Ларза. **Инобатга ўтмоқ** Ҳисобга ўтмоқ; маъқулланмоқ. *«Усмонхўжанинг ўғли бинойидек мирза бўлиб қолибди, ёзган аризаси ҳар ерда инобатга ўтаётган эмиш», деган гаплар юриб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Инобат (хотин-қизлар исми).

ИНОБАТЛИ 1 Ишонч-эътиборга эга, ишончли. *Ҳожи бўлса ишнинг кўзини билади. Ундан кейин амалдорларга инобатли.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўринбой қалъачининг.. мирзаси, унинг инобатли гумаштаси..* С. Айний, Қуллар.

2 Эътиборга олса, ишонса бўладиган; мўътабар. *Инобатли гап.*

ИНОБАТСИЗ 1 Ишонч-эътиборга эга эмас.

2 Назар-эътиборга олинмаган; эътиборсиз. *Аризани инобатсиз қолдирмоқ.* ▬ *Хон табобат, муолажа масалаларида Ўтар бобога тез-тез маслаҳат солар, унинг гапини инобатсиз қолдирмас эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ИНОД [*а.* عناد – ўжарлик, бўйин товлаш] Бўйин товлаш; ўжарлик, қийиқлик. *Ҳозир иноднинг ўрни эмаслигини ҳарчанд уқтирмоқчи бўлдим – кўнмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўлларида милтиқни маҳкам тутган Умарали инод билан, тинмасдан душман жабҳасига ўт очади.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИНОН [*а.* عنان – жилов, тизгин] Идора, бошқариш, бошқарув.

ИНОН-ИХТИЁР, инони ихтиёр Хоҳиш, ихтиёр. *Хотинимнинг инон-ихтиёри ўзида. Бойга тегмоқчи экан, тегаверади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *..бу қандай ҳақсизликки, сенинг инон-ихтиёрингга ҳам чанг солиб, сенинг номингдан бошқаларнинг никоҳига розилик бераверишади.* К. Яшин, Ҳамза.

ИНОНМОҚ 1 Ишонч ҳосил этмоқ, ишонмоқ. *Биринчи қарашдаёқ кутган ишнинг тўғрилигига инонди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ишонч билан қарамоқ, ишончли муносабатда бўлмоқ. *Нима, сен шу улуғ зотларга инонмайсанми?* М. Осим, Карвон йўларида. *Жамила, қўй.. йиғлама, хато қилдим, юпатиш ўрнига сени хафа қилдим. Сенга инонаман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ўртаҳолларга инонган одам панд ейди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ИНОЯТ [*а.* عنايت – илтифот, меҳрибонлик; ғамхўрлик, парвариш] **1** Марҳамат, лутф, илтифот. *Туркистондан дарҳол қочиш каби фасод хаёлларга бормайлик. Худонинг инояти, марҳамати катта.* К. Яшин, Ҳамза.

Иноят қилмоқ Марҳамат (илтифот) қилмоқ. *Майли, деди, бунда қолинг, Қилдим сизга иноят. Бошингизни шарт узаман, Гар қилсангиз хиёнат!* Шуҳрат. *Пирим, менга шундай иноятлар қиласизким, мен бир умр бу мурувватларингиздан бирини ҳам қайтаролмайман.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Иноят (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ИНОЯТНОМА [иноят + нома] **1** Ўтмишда подшоҳ, хон, амир ва ш. к. ҳукмдорлардан келган ва ўзида маълум илтифот, имтиёзни ифодалаган мактуб.

2 *тар.* 15–18-асрларда бирор солиқ ва жаримадан озод қилинганлик ёки бирор имтиёз олганликни кўрсатувчи расмий ҳужжат.

ИНОҚ 1 Ўзаро дўстона муносабатда; аҳил. *Биз у билан туғишган опа-сингиллардек иноқмиз. Иноқ бўлмоқ. Иноқ яшамоқ.* ▬ *Маза қилиб куламан мен ҳам, Элим иноқ битта аймоқдай. Турмуш тотли ширин қаймоқдай.* С. Акбарий.

2 *тар.* Бухоро амирлигида: амир буйруғини етказиш, амир номига келган хатларни ўқиб эшиттириш билан шуғулланган, ҳукмдорнинг ишончли кишиси бўлган лавозимли шахс. *..амирнинг иноғи бўлган Нуриддинхўжа оғалиқ Қаршидан сайланган номаълум бир деҳқон эмас, уни кўпчилик танийди.* С. Айний, Қуллар.

3 Иноқ (эркаклар исми).

ИНОҚЛАШМОҚ Бир-бири билан яқин, дўстона муносабат боғламоқ, аҳиллашмоқ. *Полвон бу ерда бошқа шаҳар-қишлоқлардан келган кишилар билан танишди ва улар билан иноқлашиб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИНОҚЛИК Иноқ-аҳил ҳолат, муносабат. *Қайнана-келин ўртасидаги кишининг ҳавасини келтирадиган иноқлик, меҳр-муҳаббат Рисолат холанинг қалбини жизиллатиб ўтди.* Р. Файзий, Қайнана.

ИНС-ЖИНС, инсу жинс [*а.* إنس – инсон; одамлар + جن – жинлар: барча жонлилар (инсон ва жинлар)] Жин(лар), жин-ажиналар. *Зардушт динига биноан.. ўтга сиғиниш турли фалокат ва инс-жинслардан сақлар, турмушда бахт келтирар эмиш.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. [*Бувим:*] *-Бисмиллодан инс-жинслар, ажинаю алвастилар қўрқади, – дер эдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ИНСОН [*а.* إنسان – одам] **1** Одамзод, башар. *Инсон – бу дунёнинг азизу мукаррам хилқати, мавжудотлар ичида сарваридир.* Газетадан. *..ақллилик, маънавият инсонга хос энг муҳим хусусиятлар бўлиб, улар инсоннинг тарихий моҳиятидан келиб чиқади.* «Сирли олам».

2 Ҳар бир якка шахс; одам. *Башарти Мусулмонқул чин инсон бўлса, инсондан ваҳший туғилганини ҳеч ким эшитган чиқмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Кимсага (одатда, салбий муносабатли) мурожаат шакли. *Хў, инсон, бу нима номаъқулчилик, тилсиз жониворда нима қасдингиз бор?!* «Муштум».

Инсон эмасман Фикрининг чинлигини, ўзининг ҳақлигини қайд этиш шакли. *Уринг, Ўрмонжон ака! Сўйинг!.. Вой, десам, инсон эмасман!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИНСОНГАРЧИЛИК Инсонга хос муносабат; одамгарчилик. *..босқинчиларга ўшқирар, «Бу ишларинг инсонгарчиликдан*

эмас, бизларни тўхтатишга ҳақларинг йўқ», деб бақирар эди. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаётмамот.

ИНСОНИЙ 1 Инсонга, одамга хос. *Юксак инсоний фазилатлар. Инсоний бурч.* ▬ *Сизнинг молларингизга қараган, ҳеч қачон инсоний ҳурмат кўрмаган, балки сўкишингизни эшитиб, калтагингизни еган, чексиз хўрланган бир инсонни биламан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг нияти буюк боболаримиздан қолган улуғвор инсоний ғоялар ва маънавий қадриятлар атрофида бирлашиб, буюк келажакни яратишга ўз улушини қўшишдир.* Газетадан.

2 Инсонпарвар, одампарвар. *Бизнинг қонунларимиз жаҳонда энг одил ва инсонийдир.*

ИНСОНИЙЛАШТИРМОҚ Инсонга хос хусусиятларга эга қилмоқ. *Олий таълимни инсонийлаштиришдан кўзда тутилган мақсад — ёш мутахассисга билим ва техника малакасини беришдан ташқари, уларга оққўнгилликни, халққа яхшилик қилишни ўргатишдан иборатдир.* «Мулоқот».

ИНСОНИЙЛИК Инсонга хос фазилат, хусусият, тариқат. *Бас, нечун инсон фарзанди инсонийликни ихтиёр этмас? Нечун бир-бирининг кўзига чўп солур, бир-бирининг оёғидан тортур..* С. Сиёев, Аваз. *Бу юксак инсонийлик барқарор экан, бизни ҳеч қандай душман енголмайди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ИНСОНИЯТ [*а.* إنسانيّة — кишилик; одамийлик; хушмуомалалик] Инсон насли, инсонлар. *Лекин Имом ал-Бухорий каби алломалар билан нафақат бир қавм, миллат, балки жамики инсоният фахр этади.* Газетадан.

ИНСОНЛИК 1 Инсон наслига мансублик; одамлик. *«Паранжи ичида қул бўлиб келган аёлларни жамоат ишига кўплаб тортинглар. Уларда инсонлик ҳуқуқи, инсонлик тушунчасини уйғотинглар!!!» — деб ёзибди улар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Умидсизлик сени инсонликдан чиқармоқчи. Кимга керак сенинг ўлиминг?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Инсонга хос юксак фазилатга эгалик. *Кўп офарин! Инсонликни кўрсатдинг, Ёвни янчди нафратинг.* Ё. Мирзо.

ИНСОНПАРВАР Одамларга ғамхўр, одамларни севувчи; инсон мақсадларини кўзловчи. *Мактаб ислоҳотининг мақсадлари олижаноб, юксак маънавий инсонпарвар мақсадлардир.* Газетадан. *Ҳар бир улуғ санъаткор каби Чехов ҳам улуғ инсонпарвар эди.* Газетадан.

ИНСОНПАРВАРЛИК Инсонпарвар шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат.. *Юртига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятидир.* Газетадан. *Илғор фикрли кишилар қадим замонлардан бери инсонпарварликни куйлаб келдилар.* Газетадан.

ИНСОФ [*а.* إنصاف — адолат, одиллик, беғаразлик] Адолат ва виждон билан иш тутиш туйғуси, ишда, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилик. *Ман кучимни, теримни тўкай, фойдасини сояпарвар бойлар кўрсин, ман икки қўлимни бурнимга тиқиб қолаверай! Қани инсоф!* Ойбек, Танланган асарлар. *..кекса Қосимбекни камарга жойлаб, ўзи [Бобур] кўпчилик навкарлар қатори ялангликда, қор бўрони тагида ўлтиргани Султоннинг инсоф ва диёнат туйғусини уйғота бошлади.* «Тафаккур».

Инсоф бермоқ Инсофга келтирмоқ, инсофли қилмоқ. *-Мўмин амакимнинг гапи рост бўлса, [дадам ароқни] «худо инсоф берган куни ташлайди», — деди Саид.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..Яхшики, калтакламади. Худо ўзи инсоф берди.* П. Турсун Ўқитувчи. **Инсоф билан айтганда** Нарса-ҳодиса, фикр ва ш.к. нинг чинлигини, ҳақиқатга мослигини қайд этади; тўғриси. *Инсоф билан айтганда, ишлар ёмон эмас.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Инсоф билан айтганда, Ёрмат ака, бизга ўхшаш хизматкорларнинг шўри қуриди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Инсоф кирмоқ** Инсоф билан, инсоф доирасида иш тутадиган бўлмоқ. *Хайрият, инсоф кириб қопти.* С. Аҳмад, Уфқ. **Инсоф қилмоқ** Инсоф билан иш тутмоқ. *-Саксонта қовунга-я? Уч сўм? — деҳқон тескари бурилди.— Инсоф қилинг, баққол ака!* Ойбек, Танланган асарлар. **Инсофга келмоқ** Инсоф ҳисси юзага келмоқ, инсофан иш тутишга ўтмоқ. *Жонфиғон охири инсофга келиб, шу бу йил қишда нон заводига ишга кирибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. **Инсофдан эмас** Инсоф талабларига зидликни билдиради. *Сизнинг отангиз сарбоз эмас, меъмор, кишини қариган чоғларида ташвишга солиш инсофдан эмас.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИНСОФАН *кам қўлл.* Адолат ва инсоф юзасидан, виждон амри билан; виждонан. *Инсофан иш қилмоқ.*

ИНСОФЛИ Инсоф эгаси, адолат ва инсоф билан иш қилувчи, ҳалол, виждонли. *Инсофли одам.* ▬ *Боёқиш кўп яхши одам эди; инсофли, ҳамиятли эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНСОФСИЗ Инсофи йўқ, инсоф юзасидан иш тутмайдиган. *Инсофсизга эрк берсанг, элни талар.* Мақол. ▬ *-У жуда инсофсиз бой, — деди темирчи, — аммо суриштирсанг, ҳамма бой бир текисда инсофсиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНСОФСИЗЛИК Инсофсиз кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *-Бу қандай инсофсизлик? — деб Эргаш бақириб югурди, от устида қаламни қоғозга чизаман деб турган мирзанинг қўлидан тутди.* С. Айний, Қуллар.

ИНСПЕКТОР [*лот.* inspector — кузатувчи, текширувчи; назоратчи] Муайян соҳага қарашли орган ва шахслар фаолиятининг тўғрилигини ёки мавжуд қонунларнинг амалга оширилишини назорат қилувчи мансабдор шахс. *Маориф инспектори. Соғлиқни сақлаш бўлими инспектори. Солиқ инспектори. Савдо инспектори.* ▬ *Инспектор — давлат назоратчиси. Унинг зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкланган.* Газетадан. *Инспектор ҳужжатларимни синчиклаб текшира бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ИНСПЕКТОРЛИК Инспектор иши, лавозими. *Мактаб директори Хўжахонов район маориф бўлимига инспекторликка кўтарилиб кетувди, ўрнига Аҳмадхонов тайинланди.* «Гулдаста».

ИНСПЕКЦИЯ [*лот.* inspectio — кузатиш, назорат] **1** Муайян соҳа қарамоғидаги органлар ва шахслар фаолиятининг тўғрилигини назорат қилувчи ва текширувчи тизим. *Қишлоқ хўжалик инспекцияси.*

2 Назорат органлари.

ИНСТАНЦИЯ [*лот.* instantia — айни шу вақт; бевосита яқинлик; тиришқоқлик] Бир-бирига тобе давлат органлари (суд ва маъмурий ишларни кўриб чиқишда), шунингдек, партия ва касаба уюшмаси органлари тизимидаги босқич, звено.

ИНСТИНКТ [*лот.* instinctus — қўзғатиш; ишонтириш; илҳом] **1** *биол.* Тирик организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирларига нисбатан онгсиз равишда, аммо туғма, мақсадли ҳаракатлари йиғиндиси; бир-бирига боғлиқ бўлган туғма рефлекслар. *Менга қарши гапириш инстинкт бўлиб қолибди Сизга.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Ҳис-туйғу; табиий майл, интилиш.

ИНСТИНКТИВ Инстинктга хос, инстинкт тарзида юз берадиган; ғайришуурий. *Гавҳар болаларга хос инстинктив бир туйғу билан Ҳакимовни ёмон кўрар.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Баъзан ҳайвонлар организмида озиқ моддалари етишмаётганлигини сезади ва инстинктив равишда унинг ўрнини тўлдиришга интилади.* Ғ. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

ИНСТИТУТ [*лот.* institutum — ўрнатиш, тузиш, таъсис этиш] **1** Баъзи олий ўқув юрти ва илмий-текшириш муассасаларининг номи. *Илмий-текшириш институти. Педагогика институти.*

2 Муайян доирадаги ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқ нормалари мажмуи. *Шахс уруғ-қабилачилик ва феодал ижтимоий институтлар: оила, давлат, ҳуқуқ, дин, мактаб ва ҳоказолар таъсирида шаклланади.* «Фан ва турмуш».

ИНСТРУКТАЖ [*лот.* instructio — насиҳат; йўл-йўриқ] **1** Йўл-йўриқлар, кўрсатмалар бериш ва йўл-йўриқ кўрсатиш. *Ғуломов агитаторларнинг навбатдаги суҳбати юзасидан инструктаж ўтказишга тайёрланиб ўтирган эди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

2 Бош (раҳбарий) қўлланма, инструкция.

ИНСТРУКТИВ Йўл-йуриқ берадиган, қўлланма бўладиган. *Инструктив кенгаш. Инструктив суҳбат.*

ИНСТРУКТОР [*лот.* instructor — ташкилотчи, ташкил қилувчи] **1** Қўл остидаги муассаса, ижтимоий ташкилот ва шахсларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, бирон-бир ишни тўғри йўлга қўйишни ўргатувчи шахс. *Инструктор йигит навбатдаги аёлни бошлаб кирди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Маълум бир мутахассисликка ўргатувчи, малака берувчи шахс. *Бу шаҳарда [Навоий шаҳрида] кўпгина спорт ишларини жамоатчи тренер ва инструкторлар олиб бормоқда.* Газетадан.

ИНСТРУКТОРЛИК Инструктор иши, лавозими (*қ.* **инструктор 2**).

ИНСТРУКЦИЯ [*лот.* instructio — насиҳат; йўл-йўриқ; қўлланма] **1** Бирор ишни амалга ошириш, асбоб-ускунадан фойдаланиш тартиби ва усуллари ҳақидаги кўрсатма; йўриқнома. *Газдан фойдаланиш*

ҳақидаги инструкция. Сайловларни ўтказиш тартиби ҳақидаги инструкция. Луғат тузувчилар учун инструкция.

2 Муайян фаолиятни бажариш, амалга ошириш қоидаларини белгилаб берувчи қонуний ҳужжат; йўриқнома.

ИНСТРУМЕНТАЛ [*лот.* instrumentum – қурол, асбоб, восита] Мусиқа асбоблари воситасида ижро этиладиган ёки мусиқа асбоблари билан ижро этиш учун белгиланган. *Инструментал мусиқа.*

ИНСУЛИН [*лот.* insulinum < insula – орол] Организмда углевод алмашинувини тартибга солишда иштирок этадиган меъда ости бези гормони ва ундан тайёрланадиган дори. *Қандли диабетда ошқозон ости бези етарли миқдорда инсулин ишлаб чиқара олмайди.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ИНСУЛЬТ [*лот.* insultare – сакрамоқ, чопмоқ] Мияда қон айланишининг тўсатдан бузилиб, мия тўқимасининг зарарланиши ва вазифаларининг издан чиқиши. *Инсульт билан касалланмоқ.* ▬ *-Инсульт билан оғриш куннинг қайсидир палласида энг кучли бўлади, деб қабул қилиш унчалик ҳам тўғри эмас, – дейди бельгиялик кардиолог Жо Корнер.* Газетадан.

ИНСЦЕНИРОВКА [*лот.* in- – -га + scena – саҳна] Бирор асарни саҳнабоп қилиб ўзгартириш, саҳнада қўйиш ва саҳналаштирилган асарнинг ўзи. *Сўнгра якка ашулалар, мусиқа ва декламациялар ижро этилгач, концертнинг иккинчи бўлимида эса бир пардали мусиқали инсценировкалар кўрсатиларди.* «ЎТА». *Инсценировка ва спектаклларда киядиган махсус кийимларимиз йўқ эди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ИНТЕГРАЛ [*лот.* integer – бир бутун, бузилмаган; қайта тикланган] *мат.* Олий математикада: чексиз кичик сонлар йиғиндиси сифатида қараладиган бутун миқдор.

ИНТЕГРАЛЛАШ *мат.* Берилган функциянинг, математик ифоданинг интегралини топиш, аниқлаш.

ИНТЕГРАЦИЯ [*лот.* integratio – тиклаш, қайтадан бошлаш, тўлдириш] **1** Айрим қисмларнинг, элементларнинг боғлиқлик ҳолатини, уларни қўшиб бирлаштиришни ифодаловчи тушунча.

2 Фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро боғланиш жараёни.

3 Икки ва ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш.

ИНТЕЛЛЕКТ [*лот.* intellectus – ақл, идрок, тасаввур] **1** Кишининг фикрлаш қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси; зеҳн. *Кишилар борки, ўз онги, интеллекти билан бутун ҳаётни қамраб олади.* «ЎТА».

2 Шундай ақл-идрок, зеҳн-фаросат эгаси. *..барча бойликларимизнинг асоси бўлган ҳозирги замон интеллектини қарор топтириш бўйича жаҳон андозаларига мос чора-тадбирларни кўрмоқдамиз.* Газетадан.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ [*лот.* intellectus – ақл-идрок, билиш; тушуниш] **1** *от* Маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи ёки ақлий фаолиятнинг энг юксак ва мураккаб турлари билан шуғулланувчи (шахс). *..айниқса илмий, яъни интеллектуал кишилар фикрини ўзгартиришда маъмурий ёндашиш ёмон оқибатларга олиб келади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *сфт.* Интеллектга оид; ақлий, маънавий. *Интеллектуал мулк.* ▬ *Ушбу қонун энг аввало ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини ҳисобга олади.* Газетадан. *Бизнингча, энди мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида малакали мутахассислар тайёрлаб бориш мақсадида истеъдодли ёшларни аниқлаш..* «Тафаккур».

ИНТЕЛЛИГЕНТ [*лот.* intelligens, intelligentis – тушунувчи, билувчи] Интеллигенцияга мансуб шахс; зиёли.

ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ 1 Фан, техника, маданият соҳасида махсус билимга эга бўлган, маълумотли, бирор касб бўйича ақлий меҳнат билан машғул кишилардан иборат ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам.

2 Шу гуруҳ (қатлам)га мансуб кишилар; зиёлилар.

ИНТЕНДАНТ {*фр.* intendant – бошқарувчи, мудир] Армияда таъминот ишлари билан шуғулланувчи ҳарбий хизматчи.

ИНТЕНСИВ [*фр.* intensif < *лот.* intensio – ғайрат қилиш; кучайиш] **1** Ортиқ даражада жадал, тез, қизғин. *Интенсив ҳаракат. Интенсив тебранишлар. Ўзбек тилини хорижликларга интенсив ўргатиш курслари.* ▬ *Кўпгина хўжаликлар чорвачиликни интенсив ривожлантириш йўлига ўтиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.* Газетадан.

2 Энг кўп маҳсул берадиган, серунум. *Деҳқончиликнинг интенсив тизими.*

ИНТЕНСИВЛАШ Интенсив ҳолатли қилиш, маҳсулдорликни, ҳосилдорликни ошириш. *Меҳнатни интенсивлаш. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш.*

ИНТЕР- [*лот.* inter – орада, ўртада] Байналмилал ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми: 1) оралиқ ҳолат, оралиқда жойлашганлик, ўртада; 2) умумийлик, умуммақбуллик, ўзаро боғлиқлик; 3) байналмилал, халқаро маъноларини ифодалайди.

ИНТЕРАКТИВ [*ингл.* interactive] – *қ.* **интерфаол.**

ИНТЕРВАЛ [*лот.* intervallum – оралиқ, масофа; вақт оралиғи] **1** Бир нарса билан иккинчи бир нарса оралиғидаги масофа, оралиқ. *Колоннада машиналар 50 метр интервал билан борар эди.*

2 Бир ҳодиса билан иккинчи ҳодиса ўртасидаги оралиқ, ўтган ёки ўтадиган вақт; танаффус. *Артиллерия залплари орасидаги интервал бир неча секунддан ошмас эди.*

ИНТЕРВЕНТ Интервенция уюштирувчи ёки унда қатнашувчи. *Ражабов инглиз интервентларига қарши жанг қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИНТЕРВЕНЦИЯ [*лот.* interventio – аралашув] Бир ёки бир неча давлатнинг бошқа давлат ишига ҳарбий, иқтисодий, дипломатик йўл билан зўравонларча (очиқ ёки яширин) аралашуви.

ИНТЕРВЕНЦИЯЧИ *айн.* **интервент.**

ИНТЕРВИДЕНИЕ [интер.. + *лот.* video – қарайман, назар соламан] Иштирокчи мамлакатлар ўртасида дастурлар айирбошлаш мақсадида 1960 йилда тузилган халқаро телевидение ташкилоти.

ИНТЕРВОКАЛ [интер.. + *лот.* vocalis – унли товуш]: **интервокал товуш** *тлш.* Икки унли товуш ўртасида келадиган товуш.

ИНТЕРВЬЮ [*ингл.* interview – учрашув, юзма-юз суҳбат] Журналистика жанри; матбуот, радио ёки телевидениеда бериш учун мухбирнинг бирор шахс билан ўтказган суҳбати ва шу суҳбатнинг матни. *Конференция қатнашчиларидан олинган интервью.* ▬ *..газеталаримизда олимлар лабораториясидан репортажлар, илмий очерклар, ихтирочилардан олинган интервьюлар аҳён-аҳёндагина кўриниб қолади.* «Фан ва турмуш».

ИНТЕРЛИНГВА [интер.. + *лот.* lingua – тил, лисон] Халқаро ёрдамчи тиллардан бири (1950 йили Нью-Йоркда Халқаро ёрдамчи тиллар ассоциацияси томонидан яратилган).

ИНТЕРЛИНГВИСТИКА [интер.. + лингвистика] Тилшуносликнинг халқаро муомалага мўлжалланган сунъий тиллар (волапюк, эсперанто ва б.), математик ва информацион тиллар қурилишини ўрганувчи соҳаси.

ИНТЕРМЕДИЯ [*итал.* intermedio – оралиқда; ўртада жойлашган; ора-орада] Драма ёки опера асари орасига киритиладиган (орасида бажариладиган), одатда ҳажвий мазмундаги, қўшимча кичик саҳна асари ёки пьеса. *Сатира-юморнинг жанрлари жуда кўп: фельетон, ҳажвий ҳикоя.. интермедия, аския, баҳрибайт ва ҳоказолар.* «Муштум».

ИНТЕРНАТ [*лот.* internus – ички] **1** Ўқувчилари давлат томонидан овқат ва кийим-кечак билан таъминланадиган ўқув юрти. *Интернатга берилди Етим қиз Қумри. Ўтди унинг шу ерда Уч-тўрт йил умри.* Ғайратий.

2 Ногиронлар ва нуроний кексалар уйи.

3 Ўқув юрти қошидаги ўқувчилар ётоғи. *Шаҳар чеккасидаги янги типовой мактаб, унинг ёнига қурилган.. ётоқ-интернат биноларининг қизғиш ғиштлари кун тиғида жимирлайди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар.

ИНТЕРНАТУРА [*лот.* interna – ич, ички томон] Врачларнинг диплом олгандан кейин клиникалар ва касалхоналарда малака орттириши.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ [*фр.* internationale < интер.. + *лот.* natio, nations – халқ] **1** *от* Баъзи бирикма номлар таркибида «халқаро бирлашма» маъносини билдиради.

Биринчи Интернационал *тар.* 1864 йил 28 сентябрда Лондонда таъсис этилган биринчи халқаро пролетариат ташкилоти. **Коммунистик Интернационал, Коминтерн** *тар.* 1919 йилдан 1943 йилга қадар жаҳон коммунистларини бирлаштирган халқаро ташкилот.

2 (И – *катта) от эск.* Халқаро пролетариат гимни; коммунистик партиялар гимни.

3 *сфт. қ.* **байналмилал.**

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ [*фр.* internationalisme] Халқлар ва ижтимоий гуруҳ-

ларнинг халқлар, миллатлар озодлиги, мустақиллиги, ҳуқуқий тенглигига асосланган бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик принципи; байналмилалчилик.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ *қ.* **байналмилалчи.**

ИНТЕРНЕТ [*ингл.* Internet < интер.. + *ингл.* net – тўр, ўргимчак тўри: умумжаҳон тармоғи] Умумжаҳон компьютер тармоғи; бутун жаҳон бўйича тарқалган ва телефон ҳамда оптик-толали линиялар, модемлар ва б. билан ўзаро боғланган, ҳар қандай ахборотни ўзаро алмаша оладиган катта миқдордаги компьютерлар мажмуи.

ИНТЕРНЕТЛАШУВ Умумжаҳон компьютер тармоғи – Интернетга қўшилиш, уланиш; Интернет тизимидан фойдаланишга ўтиш.

ИНТЕРПОЛ [*ингл.* Interpol < International criminal police organisation] Халқаро жиноят полицияси ташкилоти.

ИНТЕРФАОЛ Информацияни, ахборотларни компьютер тармоғи орқали қабул қилиш ёки узатишга асосланган. *Ўқитувчи ҳар қандай шароитда муаммоли, интерфаол усулда дарс ўтишга тайёр бўлиши керак.* Газетадан.

ИНТЕРЬЕР [*фр.* interieur – ички] *архит.* Туражойлар, жамоат ва саноат бинолари ва иншоотларининг меъморий ва бадиий жиҳатдан безатилган ички қисми.

ИНТИБОҲ [*а.* إنتباه – огоҳлик, ғафлатдан уйғониш; диққат-эътибор] Қалбдаги ғафлатнинг барҳам топиши, руҳий уйғониш, бедорлик.

ИНТИЗОМ [*а.* إنتظام – тартиб, тартибли тузилиш; изчиллик] Жамиятнинг ёки маълум жамоа аъзоларининг амал қилиши, бўйсуниши лозим бўлган қатъий тартиб, қоида. *Ҳарбий интизом. Меҳнат интизоми.* ■ *Қаердаки интизом маҳкам, у ерда иш йирик. Қаердаки интизом бузилди, у ерда иш расво.* Уйғун, Навбаҳор.

ИНТИЗОМИЙ Интизомга оид, интизом билан боғлиқ. *Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ бузувчилик ҳолларини содир этган шахсларга нисбатан маъмурий жазо билан бир қаторда, интизомий жазо чораси ҳам қўлланиши мумкин.* Газетадан.

ИНТИЗОМЛИ Интизомни маҳкам тутувчи, унга амал қилувчи, бўйсунувчи, тартибли. *Интизомли лашкар енгилмас.* Мақол. ■ *Мактабдошлар орасида Бегижон интизомли ва сергак бўлганидан, ўқитувчилари бошқа болаларни у билан тенглашишга чақирар эди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.

ИНТИЗОМСИЗ Интизоми йўқ, интизомга амал қилмайдиган, бўйсунмайдиган; тартибсиз. *Интизомсиз жангчи интизомни бузгани учун унга навбатдан ташқари икки наряд бериш керак бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИНТИЗОМСИЗЛИК Интизоми йўқ ҳолат, интизомни бузиш. *-Мен бундай интизомсизликка чидаб туролмайман, – бошлиқ тиқмачоқдай мушти билан столни урди, – мен ҳалоллик билан, виждон билан ишлайдиган одамни яхши кўраман.* Ойбек, Нур қидириб.

ИНТИЗОР [*а.* إنتظار – кутиш, кўз тутиш] Кўришга муштоқ, йўлига мунтазир. *Балки интизордир онаси, ёри, Балки соғингандир экинзор қирлар.* Уйғун. *Фақат она, дард ва жафога тўлган она, тиқ этса эшикка қараб, йўлига интизор ўтирар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Булардан эллик қадамча нарида, ўқариқ ичида, юзини ўсиқ ғўзалар билан тўсиб турарди интизор этган қиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИНТИЗОРЛИК Интизор ҳолат, кутиш. *Севгилисини соғиниб сарғаяди, интизорлик юрагини ҳар дам тирнайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ИНТИЛИШ 1 Интилмоқ фл. ҳар. н. *Ҳаётни билиш ва ундан ўзининг лойиқ ўрнини топишга интилиш – ҳар бир кишининг умиди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Мақсад, бирор нарсага эришиш йўлидаги ҳаракат. *Миллатпарвар кишилар барча адоватларни, мансаб учун бўлган интилишларни бир четга суриб қўйиб, янги раҳбар атрофига бирлашадилар..* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида. *Биринчи муваффақиятсизликдаёқ ўз мақсади, интилишларидан воз кечган киши ҳақиқий зиёли эмас, у ҳеч вақт ҳақиқий одам бўла олмайди.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

3 Мойиллик сезгиси; майл (ишқ, севги ҳақида). *Қиз Сирожни севадими, йўқми – ўзи ҳам билмас эди. Аммо кўнглида Сирожга интилиш сезиб юрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Адолат ўзига нариги маҳалладаги Султонхожи бойнинг совчи қўйдираётганини сезиб қолганди. Бу нарса Адолатнинг Усмонжонга*

бўлган интилишини кучайтириб юборди. С. Зуннунова, Гулхан.

ИНТИЛМА: марказга интилма куч *физ.* Айлана бўйлаб ҳаракат қилаётган жисмни айланада тутиб турувчи, шу айлана марказига йўналган куч.

ИНТИЛМОҚ 1 Бирор нарсага, кимсага ёки томонга отилмоқ, ташланмоқ, ҳаракат қилмоқ. *[Жувон] Шохни ушлагани икки-уч интилиб, ушлай олмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Асқар ота кўзига ювошроқ кўринган бир отни синамоқчи бўлиб минган эди, от анҳорга интилди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Мақсад йўлида, унга эришиш, амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқ. *Илм-маърифатга интилмоқ. Интилганга толе ёр.* ▬ *У худди синглисининг қотилини энди топгандай, титраб-қақшаб, қасосга интиларди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Шерали вазиятни юмшатишга интилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ИНТИЛУВЧАН Интилиш (интилиб ишлаш) хусусияти кучли. *Бир-биридан ишчан, бир-биридан интилувчан қизларнинг ишлари борган сари ривожланиб боряпти.* Газетадан.

ИНТИМ [*фр.* intime < *лот.* intimus – энг чуқур, теран; ички, самимий] Юракдаги сир, ҳис-туйғу ва ш. к. га оид; юракдаги, сирли. *Интим муносабатлар. Интим суҳбат.* ▬ *..муҳаббат – жуда нозик интим туйғу. Айниқса ҳаёси кучли ёшлар жўн гапларини ҳам кўпчиликдан четда.. гаплашишга интиладилар.* П. Қодиров, Қанотимиз жуфт бўлсин.

ИНТИХОБ [*а.* إنتخاب – сайлов; сайлаш, танлаш] *эск. кт.* Танлаш, сайлаб олиш.

Интихоб этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) Танлаб, сайлаб олмоқ.

ИНТИҚ *шв.* Сабрсизлик билан кутувчи; интизор. *Мен зиндонга арқон солай, Белга боғла, тортиб олай, Бирга йўлга равон бўлай, Йўлингга интиқ Барчиной.* «Алпомиш». *Майсалар эндигина ниш отаётганда, сиз гуллашини интиқ кутасиз.* Газетадан.

ИНТИҚМОҚ *шв.* Шошмоқ, ошиқмоқ. *Ниҳоят, бир замон у орқадан ўзи интиқиб кутган машина овозини эшитиб, йўл чеккасига чиқиб тўхтади.* М. Мансуров, Ёмби.

ИНТИҚОМ [*а.* إنتقام – ўч, қасос; ўч олиш] Ўч, қасос. *Интиқом олмоқ.* ▬ *Интиқом ҳисси-ла кўзга қон тўлган Довюрак эрларнинг намойиши бу.* Ғ. Ғулом. *Низомиддин учун ўч оламиз. Интиқом кунлари яқин.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИНТИҲО [*а.* إنتهاء – охир, ниҳоя] Охир, ниҳоя; *зид.* **ибтидо**. *Ишни интиҳосига етказмоқ.* ▬ *Қаҳрамонлардан ҳар бирининг ўй-фикрини, босган қадамини.. ҳамма-ҳаммасини ибтидосидан интиҳосигача яхши билади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ғазал интиҳосига етган сари Авазнинг чеҳраси ёришиб борарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ИНТИҲОСИЗ Охири, интиҳоси йўқ, туганмас, бепоён. *Мирзакамолиддиннинг узоқ, интиҳосиз гапидан шундай мазмун чиқар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Очил китоб ўқишга ихлос қўйган эди, китоблар унинг интиҳосиз хаёлларига қанот боғлар.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИНТОКСИКАЦИЯ [*лот.* in – ички + *юн.* toxikon –заҳар] Организмнинг ташқаридан тушган ёки организмнинг ўзида ҳосил бўлган заҳарлар таъсирида зарарланиши.

ИНТОНАЦИОН Интонацияга оид. *Нутқнинг интонацион воситалари..*

ИНТОНАЦИЯ [*лот.* intonare – баланд овозда гапирмоқ, талаффуз қилмоқ] **1** Сўзловчининг нутқ мавзуига муносабатини, ҳис-туйғусини ифодаловчи талаффуз услуби; тон.

2 *тлш.* Товушнинг ўзгаришидан, паст-баланд бўлиб туришидан иборат бўлган ритмик-оҳангдор нутқ тузилиши; оҳанг. *Хитоб интонацияси. Сўроқ интонацияси.*

3 *мус.* Ашулада ёки мусиқада оҳангнинг тўғри олиниши.

ИНТРИГА [*фр.* intrique < *лот.* intricare – адаштирмоқ, йўлдан урмоқ] **1** Ғаразли мақсад йўлида қилинган яширин ҳаракат, фитна, ҳийла-найранг. *Интрига уюштирмоқ.*

2 *ад.* Эпик ёки драматик асарда иштирок этувчиларнинг ўзаро курашини очувчи воқеалар ривожи схемаси. *Комедиянинг интригаси кулгили бўлади, унда иштирок этувчи шахслар кулгили аҳволга тушиб қолади.* «Адабиёт хрестоматияси».

ИНТРИГАЧИ Интрига уюштирувчи; фитначи, ғаламис.

ИНТУИЦИЯ [*лот.* intuitio < intueri – синчиклаб, диққат билан қарамоқ] *кт.* **1** Тажрибага асосланган ғайриихтиёрий ҳис, фаҳм-фаросат, зийраклик. *Интуиция билан йўл топмоқ.*

2 Ҳақиқатни тажриба ва асосларсиз бевосита англаш, тушуниш, пайқаш.

ИНФАРКТ [*лот.* infarctus – лиқ тўла, тиқилган] *тиб.* Таъминловчи томирлар тортишганда ёки бекилиб (тўсилиб) қолганда, қон таъминотининг тўсатдан бузилиши натижасида муайян аъзонинг жонсизланган (ўлган) қисми (асосан, юрак мушаклари – миокард ҳамда ўпка, жигар инфарктлари учрайди). *Инфаркт касаллиги қон босими юқори бўлган кишиларда кўп учрайди.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ИНФЕКЦИОН Инфекцияга, юқумли касалликларга оид, инфекциядан келиб чиққан; юқумли, юқадиган. *Грипп – инфекцион касаллик. Инфекцион касалхона.*

Инфекцион касалликлар 1) касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг одам, ҳайвон ва ўсимлик организмига кириб, кўпайиб, зарарли таъсир кўрсатиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар; 2) тиббиётнинг инфекцион касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизми, клиник кўриниши, шунингдек, профилактикаси, давоси ва диагностикаси каби масалалар билан шуғулланувчи махсус тармоғи.

ИНФЕКЦИЯ [*лот.* infectio – зарарланиш < inficere – юқмоқ, юқтирмоқ; зарарланмоқ, заҳарланмоқ] *тиб.* Касаллик пайдо қиладиган микроорганизмлар туфайли касалликнинг юқиши; юқтиришлик. *Инфекция манбаи касал одам ҳисобланади. Инфекциянинг олдини олиш чоралари.* ▬ *Бола организмининг инфекцияларга қарши чидамлилигини оширишда чиниқишнинг моҳияти каттадир.* «Саодат».

ИНФИНИТИВ [*лот.* infinitivus – ноаниқ] *тлш.* Феълнинг ноаниқ шакли; масдар.

ИНФЛЯЦИЯ [*лот.* inflatio – шишиш, кўтарилиш; шиш, бўртиқ] Муомаладаги қоғоз пуллар массасининг таклиф қилинаётган реал товарлар ҳажмига нисбатан ҳаддан ташқари ортиб кетиши ва пулнинг қадрсизланиши ва бунинг натижасида товар ва хизматлар баҳосининг кўтарилиши, пулнинг харид қилиш қувватининг пасайиши. *Иқтисодиётимизни барқарорлаштиришни, пул қадрсизланиши – инфляцияни камайтиришни..* Газетадан. *Инфляция балоси МДҲ мамлакатларининг бироргасини четлаб ўтгани йўқ.* Газетадан.

ИНФОРМАТИКА [*лот.* informatio – тушунтириш; огоҳ, хабардор қилиш] Информация (маълумот-ахборотлар)нинг умумий хоссалари, тузилиш қонуниятлари, уни излаш, узатиш, сақлаш, қайта ишлаш ва инсон фаолиятининг турли соҳаларида қўллаш методлари ҳақидаги фан соҳаси. *Информатика оғирроқ, мураккаброқ фан бўлганлиги туфайли машғулотларда ўйин воситаларидан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради.* Газетадан.

ИНФОРМАЦИОН Информацияга, ахборотга оид. *Информацион билдириш. Информацион варақалар.*

ИНФОРМАЦИЯ [*лот.* informatio – тушунтириш, баён қилиш] *қ.* **ахборот.**

ИНФРАСТРУКТУРА [*лот.* infra – остида; паст; кучсиз + structura – тузилиш] *қ.* **инфратузилма.** *Сўх ўзининг географик жойлашуви ва инфраструктураси жиҳатдан ўзига хос характерга эга.* Газетадан.

ИНФРАТОВУШЛАР *физ.* Инсон қулоғи эшитмайдиган паст частотали товушлар.

ИНФРАТУЗИЛМА Ишлаб чиқариш ва товар муомаласига хизмат қилувчи ва инсон (жамият) ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат қиладиган турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар мажмуи. *Ўз навбатида, банкнинг инфратузилмаси ҳам жадал ривожланиб бормоқда.* Газетадан.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи соҳалар – транспорт, электр ва иссиқлик таъминоти, сув хўжалиги, алоқа-ахборот хизмати ва б. **Ижтимоий-маиший инфратузилма** Аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалар – маориф, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат ва б.

ИНФРАҚИЗИЛ: инфрақизил нурлар *физ.* Спектрнинг қизил тусли қисмига ёндош, кўзга кўринмайдиган нурлар.

ИНФУЗОРИЯ [*лот.* infusus – бирор нарса ёки жойга қуйилган] Асосан сувда яшайдиган, юксак ривожланган бир ҳужайрали микроскопик жонивор.

ИНЧУНИН [*ф.* اینچنین – шундай; шунга ўхшаш] *кт., кам қўлл.* Шундай, худди шунинг каби; шунингдек. *Инчунин, Қулматқорани бир кун эмас бир кун шип-шийдам қилиб, гўлаххонада тиз чўктириш орзуси қанчалик лаззатли!* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Савр келди – экинчига давр келди деганларидек, тақачининг устахонаси эски омоч, мертик кетмон.. инчунин турли-туман темир-терсак билан тўлиб-тошган..* А. Мухтор, Чинор.

ИНШО [*а.* إنشاء – ташкил этиш; яратиш, қуриш, барпо қилиш; ижод, баён; таҳрир] Ўқув юртларида она тили ёки адабиётдан ёзма иш. *Иншо олмоқ. Иншо ёзмоқ.* ▬ *Гавҳар иккита имтиҳондан аъло олдию.. иншоси тўрт бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Иншо қилмоқ *эск.* Барпо қилмоқ, курмоқ.

ИНШООЛЛО(Ҳ) [*а.* إنشاءالله – худо хоҳласа] **1** Худо хоҳласа, худога хуш келса. *Боя аччиққина хўрда қилиб қўювдим, ичиб олди. Иншооллоҳ, эртага туриб кетар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У зулм илдизига болта урди. Иншоолло, зулм дарахти қурийди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Яхши истак билдириш учун қўлланадиган ва худоё, илоҳим каби маъноларда келадиган дуо ибораси. *[Мунажжим:] Самовий мавжудотлар шаҳаншоҳнинг бахт ва саодатидан башорат бердилар. [Ҳусайн:] Иншоолло, айтганингиз келсин!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ИНШООТ [*а.* إنشأت – қурилишлар, бинолар] Турли мақсадлар учун қурилган бинолар ва уларнинг ускуна-жиҳозлари. *Гидротехник иншоотлар.* ▬ *Сув ости кемалари ёрдамида қуриш мўлжалланаётган бу иншоот бўйлаб реактив двигателли вагон-снаряд қатнаши кўзда тутилмоқда.* «Фан ва турмуш». *Магистрал каналларнинг бош қисмларида бир оз мураккаб иншоотлар қуриларди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ИНЪЕКЦИЯ [*лот.* injectio – юбориш] Тери орасига дори юбориш; укол. *Инъекция усули билан қўлланган дори организмга жуда тез таъсир қилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ИНЪИКОС [*а.* إنعكاس – акс этиш] **1** Ойнада, сувда ва умуман, ялтироқ нарса бетида акс этган тасвир; акс. *Лекин бу очилиш кўнгилда пайдо бўлган қандайдир бирор шодликнинг аксланиши бўлмай, балки кўзида ёлқинлана бошлаган ғазаб ўтининг инъикоси каби эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *флс.* Объектив воқеликнинг, борлиқнинг киши онгида акс этиши, акси. *Драматургнинг ифода қилиб берган типлари турмушимизда ҳали ҳам учраб келаётган эскилик сарқитларидан қутула олмаган кишиларнинг бадиий инъикосидир.* «Ўзбек адабиёти тарихи».

ИНЪОМ [*а.* إنعام – ҳадя, эҳсон] **1** Тортиқ қилиб берилган нарса; ҳадя, совға. *Шомуродга мени таъриф қиласан.. қизини кўндирасан, келиб менинг инъомларимни оласан.* «Ёдгор». *Бугунги хирмон-хирмон пахталар.. мева-чевалар халқимизнинг меҳнати эвазига келган чўл инъомидир.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

Инъом қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Тортиқ, совға ва ш.к. бермоқ. -*Мавлонога биздан битта от, анжоми билан инъом қилинсин, – қўшимча қилди Бобур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Амирзода инъом этган заррин тўнни ҳам кулол устига ёпди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Инъом (эркаклар исми)

ИНҚИЁД [*а.* إنقياد – риоя қилиш, эргашиш; итоат, тобелик]: **инқиёд этмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) *эск., кт.* Бўйсунмоқ, итоат қилмоқ, бўйин эгмоқ. *Амрга инқиёд этишдан илгари шу тўғрида жавоб берсангиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..ушбу ёрлиғимизни бердик хўқандлик мирзо Анварғаким, мазкур мулло мирзо Анвар.. устувор туриб, амримизға инқиёд этиб, девонбеги унвон дигар садри муншийлик [вазифасини] адо қилғай деб.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИНҚИЛЛАМОҚ Касаллик ёки юк оғирлигидан гавдани зўриққан ҳолда тутмоқ ва шу ҳолатга мос товуш («иҳ, иҳ» каби) чиқармоқ; зўриқиб (тиқилиб) нафас чиқармоқ. *Кўзини очмайди, ўқчийди, инқиллайди. Бутун бадани ўт бўлиб ёнади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кампир инқиллаганча жойига бориб ўтирди, тиззаларининг кўзини уқалаб, оғир сўлиш олди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Шодмонхўжа эса туролмай инқиллар, оғзибурнидан оқаётган қонни.. тўнининг барига артар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ИНҚИЛОБ [*а.* إنقلاب – ўзгариш; тўнтариш, исён] **1** Умуман, жамият ҳаёти ва унинг соҳаларида бўладиган ўзгариш, тубдан ўзгариш. *Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса, ажаб эрмас, Мунаввар сув юзинда бир офтоб ўлса, ажаб эрмас.. Қариган чоғда Завқий, инқилоб ўлса, ажаб эрмас.* Завқий.

2 Бир ижтимоий тузумни бошқаси билан алмаштириш орқали бўладиган ўзгариш; тўнтариш. *Февраль инқилоби.* ▬ *Инқилобни ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли», деб атаганлар.* Газетадан.

3 Инқилоб (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ИНҚИЛОБИЙ Инқилобга оид. *Инқилобий ҳаракат. Инқилобий шиор. Инқилобий ишлар. Инқилобий ўзгаришлар. Инқилобий варақалар. Инқилобий мавзу.*

ИНҚИЛОБЧИ Инқилоб тарафдори, инқилоб қатнашчиси.

ИНҚИРОЗ [*а.* إنقراض – охир бўлиш, битиш, тугалиш] **1** Тараққиётда орқага кетиш, пасайиш; таназзул, тушкунлик. *Бинобарин, биз моддий таназзул билан маънавий инқироз мувозий [тенг, баробар] тарзда юз беришини бошимиздан кечирдик.* Газетадан.

2 Тугаш, охир бўлиш, битиш. *Мўмин мирзонинг ўлими темурийлар хонадонининг инқирозидан нишонадир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Инқирозга учрамоқ *(ёки* **юз тутмоқ**) 1) орқага кетмоқ, пасаймоқ, таназзулга, тушкунликка учрамоқ; 2) тугамоқ, битмоқ. *Кутилмаганда Нормуҳамедовлар сулоласи инқирозга учраб, қонуннинг шафқатсиз қамчисига йўлиқди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ИОН [*юн.* ion – борувчи] *физ.* Атом ёки атомлар гуруҳи бир ёки бир неча электрон қабул қилганда ёки йўқотганда ҳосил бўладиган зарядланган заррача.

ИОНА [*а.* إعانه – ёрдам, кўмак] *эск.* **1** Моддий ёрдам, нафақа. *-Бу юртнинг бойлари қани? – диққати ошиб қизиша бошлади Валихон. – Қани савдогарлари? Қани амалдорлари? Сийлов қани? Иона қани?* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Бирор кори хайр учун тўпланган пул. *Паспортимни қўлимга осонгина тутқизиб қўя қолмади.. иона баҳонаси билан аллақандай бир қутига пул ташлаттириб, сўнгра қўл қўйдириб, паспортимни қўлимга тутқазди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Мен боёнларимиздан элликтасини «кўмак» рўйхатига олиб қўйдим. Улар бугун-эрта иона тўплаб келтирадилар.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ИОНЛАШМОҚ *физ.* Ионларга айланмоқ, ион ҳосил қилмоқ. *Ионлашган ҳаво.*

ИОНЛАШУВ *физ.* Атом ёки молекулаларнинг ионларга айланиши; ионларнинг ҳосил бўлиши.

ИОНОСФЕРА [ион + *юн.* sphaira – шар] *физ.* Атмосферанинг ион ёки эркин электронларга бой бўлган юқори қатлами. *Учинчи йўлдош ёрдами билан.. радио тўлқинларининг ионосферада тарқалиши ҳақида ва бошқа муҳим маълумотлар олинди.* Газетадан.

ИП 1 Пахта, хом ипак, зиғир, жун ва ш. к. толасидан ингичка қилиб йигирилган ёки йигирилмаган тикув, тўқув материали. *Пишиқ ип. Хом ип. Машинага ип солмоқ. Ип газлама.* ▬ *[Алиохун] Бир неча минутдан сўнг туриб.. игнани олди, қаердандир ип топиб, эски, серямоқ кўйлагининг йиртиғини тикишга ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Буни сотиб, чарм, ип, сирач, мум сингари косибчилик учун керакли ашёларни олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, боғлаш, ўраш ва ш. к. мақсадлар учун қўлланадиган нарса (мас., шнур, каноп, чилвир). *Ботинка ипи. Мард йигит қўлида аждар ўлади, Номард одам ипни аждар билади.* Мақол. ▬ *Тоғаси, сўйилган қўйнинг ипини олди-ю, шошиб, ташқарига чиқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Пай, ичак ва ш. к. дан чолғу асбоблари учун тайёрланган тор. *Мели полвон.. дуторга аччиқ қилиб сўзлади: -Сени ўйлаб топган Афлотунни кўп ақлли одам ўтган дейдилару, фақат ипингни узилмайдиган қилиб ясашга ақли етмабди-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *кўчма айн.* **ришта 3.** *Дўстлик ипи. Муҳаббат ипи.* ▬ *Доирачи, раққоса ва созандалар ўртасида томошабин сезмайдиган нозик алоқа ипи мавжуд.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ҳаётнинг кўнгли чўкиб кетди, лекин жони чиқиб қолган умид ипини узгиси келмади. Фақат калласини қимирлатиб, «хўп» деб қўя қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 *кўчма* Йўл, чизиқ, хат. *Узоқда, кечанинг қора чодирига бурканган дарахтлар устидан.. ўқлар.. ҳавода олов ип чизиб учардилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Бурнидан ип ўтказмоқ Айтганига, айтган йўлига юрадиган қилмоқ. *Насиҳат қилманг менга. Бурнига ип ўтказаман, деб ўйламанг.* С. Зуннунова, Узилган ип. *Болагинамга эга чиқиб, бурнидан ип ўтказиб олди бу доғули.* С. Аҳмад, Чўл бургути. **Ип эшолмайди** Тенг ёки бас кела олмайди. *Сизнинг сарполарингизни кийгандан кейин бирам очилиб кетдики.. жаннатдаги ҳуру ғилмонлар ҳам унинг олдида ип эшолмайдиган бўлиб қолдилар.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. **Ипидан игнасигача** Бутун тафсилоти билан, майда-чуйдасигача; батафсил. *Сиз айтинг, ахир,*

сиёсатни ипидан игнасигача биласиз, мен нима қилсам бўлади энди? П. Турсун, Ўқитувчи. *Кечқурун отам ишдан қайтгач, онам йиғлаб-йиғлаб, воқеани ипидан игнасигача айтиб берди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ИПАК 1 Пилла қурти чиқарган жуда ингичка, пишиқ, ялтироқ, товланиб турадиган мулойим тола ва ундан йигирилган ип. *Хом ипак. Пишитилган ипак.* ▬ *Ипак толалари сифатини янада яхшилаш борасида олиб борилган изланишлар ижобий якунланди.* Газетадан. *Адолат қопчиғини очди. Унда ангишвонадан тортиб, ип, ипакларгача бор эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай иплардан тўқилган мато, шойи ва ундан тикилган кийим ёки буюм. *Ипак гилам. Ипак рўмол.* ▬ *Зайнаб ҳам тамом ипакларга кўмилиб ясанган, кеча эрга теккан янги келинлар суратига кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Мулойим, нозик. *Ботирали хотинининг қалин ипак сочини силаб гапирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ИПАКДАЙ, **-дек 1** Ипак сингари мулойим, нозик. *Ипакдай майин пахта.*

2 *кўчма* Жуда ҳам хушмуомала, ширинсўз; мулойим. *Ипакдай аёл. Танқиддан кейин ипакдай бўлиб қолди.*

ИПАКЛИ Ипаги бор, ипакдан тўқилган. *Халтачанинг ипакли боғичи.*

ИПАКЛИК 1 Ипакли газламадан, шойидан қилинган, тикилган кийим. *Ипаклик киймоқ.*

2 Ипак мато. *Нигора чамадонини очди.. ичини тита бошлади. Янги гулдор дастурхон, бир-икки жўра ипаклик, яна жилдли, жилдсиз китоблар.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИПАКФУРУШ Ипак ёки ипакли газлама сотувчи савдогар. *Поякиликдан носвойни оламан-да, таниш ипакфуруш яҳудийдан онам буюрган ипакни харид қилгани жўнайман.* Ойбек, Болалик.

ИПАКЧИ 1 *айн.* **ипакфуруш.**

2 Пилла ва ипак тайёрлаш билан шуғулланувчи.

ИПАКЧИЛИК 1 Қишлоқ хўжалигининг пилла етиштириш иши билан шуғулланадиган тармоғи. *Ипакчилик хўжалиги. Ипакчилик бошқармаси.*

2 Енгил саноатнинг асосан табиий ва сунъий ипак толаси ва б. турли толалар бирикмасидан ипак (шойи) газламалар тўқиб чиқарадиган тармоғи. *Ипакчилик комбинати (фабрикаси).*

ИПИЛТИРИҚ Жуда ориқ, нимжон, қилтириқ. *Ипилтириқ бола.* ▬ *Ер ориқ-чун ипилтириқ бўлиб сабзи, Эл олдида Кўканнинг ҳеч қолмай лафзи.* F. Ғулом, Кўкан.

ИПИР-ИПИР Бурда-бурда, бўлак-бўлак ипга ўхшаш, паға-паға (сут, ис кабилар ҳақида). *Сут чириб, ипир-ипир бўлиб қолди.* ▬ *Корхонанинг деворлари, шиплари ўргимчак инлар, ипир-ипир қора ислар билан қопланган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИПИРИСКИ 1 Кир-чир, исқирт. *Тузукроқ кийиниб бор, манави ипириски нарсаларингни ташлаб. Ёки яхшироқ костюм-шиминг йўқми..* Н. Аминов, Суварак.

2 *кўчма* Ёқимсиз, бўлмағур (хатти-ҳаракат, гап-сўз ва ш. к. ҳақида) *..айрим ғаламис одамларнинг, ахборот воситаларининг ул зот ҳақидаги маломатларига.. ипириски гапларига Президентимиз чек қўйдирдилар.* Газетадан.

ИПОР [*а.* عفار – чанг, тўзон] **1** Баъзи ҳайвонларнинг, асосан Сибирда яшайдиган бир хил кийикнинг жинсий безидан олинадиган хушбўй модда; мушк.

2 Шу модданинг ва умуман хушбўй нарсаларнинг ҳиди. *Тарқатар шингилларинг райҳон ипорнинг бўйини, Чорласа ширин чарослар, бормайин қолғайми мен!* F. Ғулом.

ИПОРГУЛ Ипор каби хушбўй гул, атиргул.

ИПОТЕКА [*юн.* hypotheke – гаров] Кўчмас мулкни гаровга қўйиш асосида бериладиган узоқ муддатли қарз; ушбу қарзни таъминлашга хизмат қилувчи гаров.

Ипотека банки Ер-сув ва кўчмас мулкни гаровга қўйиш шарти билан узоқ муддатли қарз беришга ихтисослашган банк.

ИППОДРОМ [*юн.* hippodromos < hippos – от + dromos – югуриш жойи] Йўрға ва пойгачи отларни синаб кўриш ва от спорти бўйича мусобақалар (пойга, улоқ ва б.) ўтказиш учун махсус жиҳозланган иншоотлар мажмуи; отчопар. *Ипподромнинг томошабинлар учун солинган кенг ва баланд минбаридаги бўш ўринларга одамлар шошилиб жойлаша бошладилар.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

2 Шундай синовлар ва мусобақаларни ташкил этувчи муассаса. *Ипподром маъмурияти.*

ИПРИТ [*фр.* Ypres – Бельгиядаги Ипр дарёсининг номи] Молекуласида хлор ва олтингугурт бўлган рангсиз органик суюқлик; заҳарловчи модда (дастлаб шу дарё бўйидаги жангда қўлланган).

ИПСИЗ Ипи йўқ, ип тақилмайдиган. *Ҳали қиров тушганича йўқ-ку, эгнида пальто, оёғида қўнжли ипсиз ботинка.* М. Мансуров, Ёмби.

Ипсиз боғламоқ (*ёки* **боғланмоқ)** Бўшай олмайдиган, қутула олмайдиган, банд ҳолатга солмоқ, шундай ҳолатга тушмоқ. *-Ҳоким бизни Тешабойга ипсиз боғлаб бериб кетди, – деди Қудрат.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мана, бўлимга ипсиз боғланиб ўтирибди. Уй-жойига қаролмайди..* С. Нуров, Нарвон.

ИРВАЙМОҚ Эгри бўлиб қолмоқ, қийшаймоқ (уй, девор, оғиз ҳақида). *Деворнинг ирвайган ерлари.* ▬ *Ирвайган оғизларида папирос..* «Муштум».

ИРГАМЧИК *с. т.* Кишини жиркантирадиган; йиргамчик, жирканч.

ИРГАНМОҚ с.*т* Йирганмоқ, жирканмоқ.

ИРГАНЧ *с. т.* Жирканч.

ИРЖАЙМОҚ Овоз чиқармай, лабларни ёйиб, ёқимсиз кулумсирамоқ; иршаймоқ, тиржаймоқ. *Мунча иржаясан?* ▬ *Фосиҳ афанди бўлса.. қора дулдул устида куйдирган калладай иржайиб ўтирар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИРИДИЙ [*лот.* iridium < *юн.* iris, iridos – камалак; тузлари турли рангда бўлгани учун шундай аталган] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кумушранг-оқ, жуда қаттиқ, лекин мўрт металл; платина металлар туркумидаги кимёвий элемент.

ИРИЛЛАМОҚ 1 «Ир-р-р» деган овоз чиқариб ҳурмоқ (ит ҳақида). *Узала пушиб, оғзи билан пашша тутиб ётган каттакон сариқ ит бошини кўтариб ириллади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма салб.* Уришгандек гапирмоқ (итнинг шундай ҳаракатига нисбат берилади). *Сиз бўлмасангиз, булар билан бир ерда ўтириб, гаплашиб бўладими. Халфа билан Махсумнинг дарров ириллаганини кўрдингизми?!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИРИМ *этн.* Бирор мақсад, ният билан қилинган хурофий тадбир (мас., тўйдан яхши ният билан бирор нарса олиб кетиш; дард-балони қайтариш, зиён-заҳматдан, кўз тегишдан сақлаш учун бирор нарсани бошдан ўгириб ташлаш ва б.). *Она-бола дарвозадан чиқаётганда эса, иримини қилиб, қўлидаги ойна устига обдастадан сув югуртириб, Латофат билан келини кўздан ғойиб бўлгунча қараб қолди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Эски иримлардан қутулиб кетмаган баъзи бўлтаклар.. ходанинг устига исириқ боғлаб қўядилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Ирим қилмоқ Бирон-бир фалокат, зиён-заҳматга йўлиқмаслик ёки унинг олдини олиш чорасини қилмоқ, қидирмоқ; ирим тарзида бирор нарса қилмоқ. *Икки кампир ирим қилиб, Маликанинг дард тутаётганлигини ҳеч кимга билдирмасликка тиришиб.. эшикни ҳам занжирлаб қўйишган эди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Охири у ирим қилиб, ҳужрасининг эшигини қулфламай, кўчага чиқди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Хадича хола бурунгидай унинг.. пешонасидан ўпди, дуо қилди, ирим қилиб, кузатгани чиқмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИРИМИГА *рвш.* Йўли учун, номига, хўжа кўрсинга. *Концертда биринчи рақсни жуда ёмон ўйнадим. Бир-икки одам иримига чапак чалгандай бўлди.* С. Аҳмад, Зумрад. *Муродова ҳамроҳлари билан уриштирди-ю, иримига бир ҳўплаб, рюмкасини шиша орқасига яшириб қўйди.* И. Раҳим, Ихлос.

ИРИМКАШ Ҳар нарсага ирим қилаверадиган, иримчи; хурофотга берилган. *Мен иримкаш одамлар тоифасига кирмайман.* «Шарқ юлдузи».

ИРИМОҚ Микроорганизмлар таъсирида бузилмоқ, сасиб-бижғиб, яроқсиз ҳолга келмоқ; айнимоқ, чиримоқ. *Гўшт ирибди.* ▬ *Лат еб ириган анорларнинг суви чиқиб, пулларга ўтиб кетибди.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. *Деҳқонбой ота каттакон тўрлама қовун тумшуғидаги ириган ерини ўйиб ташлаб, карж қилиб сўйди.* Мирмуҳсин, Юзида ниқоби бор.

ИРИМ-СИРИМ *айн.* **ирим-чирим.** *Қилмадим куф-суф, ирим-сиримлар.* С. Акбарий.

ИРИМЧИ Иримга ишонувчи; ирим-чиримга берилган, иримкаш. *Иримчи одам.* ▬ *Унинг* [*сигирнинг*] *бўйнидаги бир парча эски чарм саланглаб, яғринига уриларди. Эгаси иримчи бўлса керак, кўз тегмасин, деб тақиб қўйган-да.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИРИМ-ЧИРИМ Ҳар хил иримлар. *Шу қорда домлага бориш нимаси!? Ҳар бало ойимдан чиқади. Ирим-чирим бўлса бас.* Ойбек, Танланган асарлар. *5–6 ёшларда эди шекилли. Аъзам жуда қаттиқ оғриди. Кўрсатмаган табибу қилмаган ирим-чирим қолмади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ИРИН *эск.* Лаб, дудоқ. *Ярим очиқ ирнлари ичидаги оқ тишлари билан тилини ғарчча тишлаган-да, гўё шу турмушда, шу замонда туғилгани учун «аттанг» ўқийдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИРИТ [*юн.* iris – рангдор парда, ёй парда] Кўз рангдор (ёй) пардасининг яллиғланиши (бунда кўз ёшланади, хиралашади, қаттиқ оғрийди, бемор ёруққа қарай олмайди).

ИРИШ *тиб.* Тери, мушак, суяк ва б. тўқималардаги азотли органик моддалар, асосан, оқсилларнинг микроорганизмлар ҳаёт фаолияти оқибатида емирилиш жараёни.

ИРКИЛМОҚ *шв.* Сесканиш, чўчиш, ҳазар қилиш билан ўзини тортмоқ, тортинмоқ. *Чол чорвоққа келиб юрадиган йўлга бурилди. Шунда Ёдгор иркилиб, отининг жиловини тортиб, бовага қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турибди.* «Ёдгор». *Мен кўриб, сесканиб, иркилиб қолдим.* «Баҳром ва Гуландом». *Дим иркилмай ўққа тутди буларни.* Фозил Йўлдош ўғли.

ИРКИТ Киши ирганадиган даражада кир, ифлос. *Иркит бола. Иркит пиёла.* ▬ *Бир ёнда судралган қиш увадаси: иркит қор уюми.* Р. Бобожон, Янги китобдан. *..тайёр жой турганда, иркит жойда ётиш нима ҳожат!* Ҳ. Шамс, Душман.

ИРМОҚ 1 Бирлашиб, катта дарё ҳосил қилувчи ҳар бир айрим кичик дарё. *Сирдарё ирмоқлари.* ▬ *Ёлгиз оққан ирмоқ ҳам фойда келтиради, қизим, ахир, оқиб-оқиб, дарёга қўшилади-ку!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ғайратлар пахта тераётган ерларнинг охирида Зарафшон дарёсининг бир ирмоғи – Қорадарё ўтади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Умуман, дарёча, кичик дарё. *Бу водийнинг қуёши ҳам бизники, Бахмал қиру зумрад ирмоқлари ҳам.* Ғ. Ғулом. *..Музликлар остидан чиқаётган сув кичик ирмоқ ҳосил этиб оқарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ИРОД, ийрод [*а.* إيراد – даромад, кирим; келтириш, баён қилиш] *кт.* Ишора қилиш, ҳавола қилиш; келтириш.

Ирод этмоқ Келтирмоқ, баён қилмоқ; сўзламоқ. *[Искандар] Аскарларини йиғиб, қисқача бир нутқ ирод этгандан кейин, шу қалъага биринчи бўлиб чиққан кўнгиллиларга жуда кўп пул ва мартабалар ваъда қилди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ИРОДА [*а.* إرادة – қасд, ният, истак] **1** Мақсадни юзага чиқариш учун кишида бўлган матонат ва қатъият. *Кучли ирода. Темир ирода. Иродаси йўқ одам.* ▬ *Улар қуроллари синса – қўллари билан, қўллари синса – тишлари билан, тишлари синса – иродалари билан қазиш қасдида келган сув ташналари эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *[Турғунбойнинг] Кўнглини қандайдир шубҳа ва норозилик таталаб турган бўлса ҳам, бирон қарши фикр айтишга иродаси етмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ихтиёр, хоҳиш. *Ўз иродасига қарши иш қилмоқ.* ▬ *Ҳуқуқий давлатда озчилик, агар мард бўлса, кўпчиликнинг иродасига итоат қилади.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

3 Ирода (хотин-қизлар исми).

ИРОДАЛИ Иродаси кучли, бирор мақсад учун матонат ва қатъият билан курашадиган. *Муҳиддинқори Ёқубов иродали, ҳаракатчан, хушчақчақ, ажойиб овозли санъаткор эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Шу йўл эгилган қоматингизни кўтаради. Иродали бўлинг, фақат иродали бўлинг.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ИРОДАСИЗ Иродаси йўқ, иродаси суст; бардошсиз. *Иродасиз одам.* ▬ *Порахўр шахслар.. сиёсий жиҳатдан етук бўлмаган беқарор ва иродасиз шахсларни қўлга олмоқдалар.* Газетадан.

ИРОДАСИЗЛИК Иродасиз одамга хос хусусият, хатти-ҳаракат, ҳолат; қатъиятсизлик. *Ғуломжон эса ҳеч кутилмаганда иродасизликка берилиб, ҳамма нарсадан кўнгли совиди..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Иродасизлик қилдинг, десам, хафа бўлма. Бу қоқилиш ўтиб кетади, бир неча вақтдан сўнг ўзингга келасан.* Мирмуҳсин, Умид.

ИРОНИЯ [*юн.* eironeia – муғамбирлик, айёрлик; билиб билмаганга олиш] *ад.* Бадиий асарлардаги услубий восита – икки маънода қўлланиши мумкин бўлган сўз ёки гапларни қўллаш билан уларнинг асосий маънога тескари, ҳатто уни инкор этувчи маъноси орқали киноя, қочириқ, пичинг, кесатиқ, мазах маъноларини ифодалаш.

ИРОҚ I Узоқ, олис. *Шаҳар бизга анча ироқ. Осмон ироқ — ер қаттиқ.* Мақол. ▬ *Йиғи келди қулоғига ироқлардан пайдар-пай..* Т. Тўла.

ИРОҚ II [*а.* عراق — Ироқ мамлакати номидан] (И — *катта)* Шашмақом тизимидаги олтинчи мақом номи *(қ.* **шашмақом**). *«Ироқ»ни ироқдаги ёрига эшитилсин, деб куйлар эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ИРОҚИ I [*а.* عراقى — Ироққа мансуб, Ироқда тайёрланган] Каштадўзликда тўрга, канвага ип ёки ипакларни кесиштириб, крест шаклида гул тикиш усули ва шу усулда тикилган нарса. *Ироқи тикмоқ. Ироқи жияк.* ▬ *Бошидаги ироқи дўпписи ҳуснига ҳусн қўшарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ИРОҚИ II [*а.* عراقى — Ироққа мансуб, Ироқда тайёрланган]: **ироқи совун** *с.т.* Юз-қўл ювиш учун қўлланадиган хушбўй совун, атирсовун. *Темиртош ҳам кеча қаллиғи Менглиойнинг янгасига иккита ироқи совун, упа-элик олиб, янги рўмолчага тугиб, қош қорайганда борган эди.* М. Осим, Ўтрор.

ИРРАЦИОНАЛ [*лот.* irrationalis — номаъқул; ўйламасдан қилинган] **1** *флс.* Қонуниятга эга бўлмаган ва шу сабабли тушуниб, ақл билан билиб, мантиқий йўл билан тушунтириб бўлмайдиган; ақлдан ташқари. *Иррационал қараш.*

2 *мат.* Бутун сон билан ўлчаб, ифодалаб ёки ҳисоблаб бўлмайдиган; арифметик амалдан ташқари, илдиз топиш амалини ҳам талаб қиладиган. *Иррационал тенглама. Иррационал сонлар.*

ИРРИГАТОР Ирригация, сув чиқариш ишлари мутахассиси. *Катта Наманган каналининг иккинчи навбати ирригаторлар томонидан жуда қисқа муддат ичида қуриб битказилмоқда.* Газетадан.

ИРРИГАЦИОН Ирригацияга, суғориш ишларига оид. *Ирригацион иншоотлар.*

ИРРИГАЦИЯ [*лот.* irrigatio — сув қўйиш; сунъий суғориш] Сувсиз ерларга сув чиқариш, далаларни, экин майдонларини суғориш ишлари. *Ирригация иншоотлари.* ▬ *Республикамизда ирригация ва мелиорация ҳамда янги ерларни ўзлаштириш даражаси бениҳоя юқори.* «Фан ва турмуш».

ИРСИЙ [*а.* إرثى — наслдан наслга ўтган; меросга оид] *биол.* Наслга оид, наслдан наслга ўтадиган; наслий. *Фанда шу тушунча аввалдан маълум, ген ирсий белгини ташувчи нарса, деб қабул қилинган.* «Фан ва турмуш».

Ирсий касалликлар Наслдан наслга ўтадиган, суяк сурадиган касалликлар. *..дунёда ҳар хил ирсий касалликларнинг кўплиги ҳам ирсиятнинг ижтимоий муҳитга боғлиқ эканлигидан далолат беради.* Ю. Сатторов, Ирсият ва тақдир.

ИРСИЯТ [*а.* إرثيّة — ворисийлик, меросийлик, ирсийлик] *биол.* Тирик организмларнинг жисмоний ва руҳий хусусиятларни сақлаш ва наслдан наслга ўтказиш, ўзига ўхшаш наслларни бунёд этиш қобилияти, шундай хусусият. *Янги туғилган бузоқчалар чуқур текшириб кўрилди ва уларда дастурлаштирилган барча ирсиятлар мавжуд эканлиги аниқланди.* «Фан ва турмуш». *..ирсиятнинг маъноси — оқсил синтез қилиш қобилиятининг наслдан наслга ўтишидир.* «Фан ва турмуш».

ИРШАЙМОҚ Овоз чиқармай, лабларни ёйиб, кўримсиз кулумсирамоқ; иржаймоқ, тиржаймоқ. *Иршайиб кулмоқ.* ▬ *-Ер юткурлар, нима қилиб иршайиб турибсизлар, ҳув, кўзларинг тешилсин! — деди хотинлардан бири.* М. Осим, Ўтрор. *Бир томонда ҳисобчи, бир томонда бригадир иршайиб, қуллуқ қилиб турибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ИРШОД [*а.* إرشاد — тўғри йўл кўрсатиш] *эск. кт.* Тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўлга солиш, таълим бериш. *Маорифу ҳаёт шахсияси доим лисонидин, Жаҳолат аҳли иршодиға бўлсун таржимон ёшлар.* С. Хондайлиқий.

Иршод айламоқ (*ёки* **қилмоқ, этмоқ**) 1) тўғри йўл кўрсатмоқ, тўғри йўлга солмоқ; 2) эътиқод қилмоқ. *«Ғинг десанг, қум-қум талоқ» машқини бунёд айлади, Қайта бошдан рўдапо илмоққа иршод айлади.* Ҳамза.

ИРҚ I [*а.* عرق — қон томирлари; илдиз; зот] **1** *эск.* Насл, зот.

2 Кишиларнинг кўз, соч ва тери ранги, юз-бош тузилиши ва ш. к. наслий белгилари бир хил бўлган, тарихан шаклланган ҳар бир гуруҳи. *Турли ирқларга мансуб кишилар.. ҳуқуқий тенглик асосида тез-тез учрашиб туриш ва ҳамкорлик қилиш имкониятига эгадирлар.* Газетадан. *Бунда бор қанча ирқ ва қанча миллат..* Э. Воҳидов.

ИРҚ II *шв.* Юз; ёноқ. *Аваз қараса, Оққиз дуруст қизга ўхшайди, ирқи олмадай пишган, зулфлари белига тушган.* «Балогардон».

ИРҚИЙ [*а.* عرقى – ирққа оид, тегишли] Ирққа хос; ирққа оид (*қ.* **ирқ** I). *Ирқий белгилар. Ирқий назария.* ▬ *Мен ирқий ва миллий айирмалар ҳамда камситишлар одамларни энг заиф жониворддан кучсиз ва муте қилиб ташлаган ўлкаларни кўрганман.* Зулфия, Чўққилар.

ИРҚЧИ Ирқчилик тарафдори, ирқчилик сиёсатини юргизувчи. *У тошкентлик Собир – Сардор фашистларни қилди хароб, Гўрсиз ётган ирқчи – мурдор Осиёдан олди жавоб.* М. Шайхзода.

ИРҚЧИЛИК Ирқлар тенг эмас, шунинг учун гўё «олий», «сара» ирқларнинг «паст» ирқлар устидан ҳукмрон бўлиши тарихий заруратдир, деб даъво қилувчи назария ва сиёсат. *Мустамлакачилик билан ирқчиликка барҳам берилиши шарт ва барҳам берилади ҳам.* Газетадан.

ИРҒАЙ Ёғочи қаттиқ, пўсти қизғиш бута. [*Зоминда*] *Арча дарахтларидан ташқари, учқат, наъматак, ирғай, зирк ва бошқа буталар бор.* «Фан ва турмуш».

ИРҒАЙЗОР Ирғайлар ўсган ер, майдон. *Агар бу қумлар, ирғайзорлар орасида адашилса, умр бўйи юриб ҳам чиқиб кетиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИРҒАЛМОҚ *шв.* У ёқ-бу ёққа чайқалмоқ, қалқимоқ; силкинмоқ. *Қараса, ўша ўзини алдаган паризод тўқмоқ ёлли тўриқ отни миниб.. мункиб, қалқиб, минган оти.. бир-бир босиб, ирғалиб бораётган экан.* «Муродхон».

ИРҒАМОҚ Тебратмоқ, чайқамоқ; силкитмоқ (бошни). *Машинкада алланарсани кўчираётган аёлга салом берди. Аёл машинкадан кўзини олмай, бош ирғаб қўя қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Абдураззоқ ота қўлидаги бўшаган пиёлани ерга қўйиб, бош ирғаб, қудуқ томонни кўрсатди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

ИРҒИМОҚ *айн.* **сакрамоқ.** *Ариқдан ирғиб ўтмоқ.*

Ирғиб (ўрнидан) турмоқ Чаққонлик билан тез, қалқиб (ўрнидан) турмоқ, дик этиб (ўрнидан) турмоқ. *Худди босинқираган одамдек, ирғиб ўрнимдан турдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Ирғиб тушмоқ** Бехосдан юқорига кўтарилиб тушмоқ, сапчиб кетмоқ. *Оёғимга бир нарса тегиб, ирғиб тушдим.* ▬ *Содиқжон бойвачча бу гапни эшитиб, бир ирғиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза. **Ирғиб чиқмоқ** Ташқарига бўртиб, туртиб чиқмоқ (кўз соққаси, томир ва ш. к. ҳақида). *Ирғиб чиққан кўзлар. Ирғиб чиққан томирлар.* ▬ *Унинг [Қўчқорнинг] офтобда қорайган ориқ пайлари ирғиб чиққан, оёғи.. тарашага ўхшарди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ИРҒИТМОҚ 1 Ирғимоқ фл. орт. н. *Илон юрган қийин йўлдан «Чу» деб отини ирғитди.* «Нигор ва Замон».

2 Отмоқ, улоқтирмоқ. *Елкадаги юкни ирғитмоқ. Қўлга тушган нарсани ирғитмоқ.* ▬ *Ғуломжон.. қамчини мингбошининг қўлидан юлиб олиб, супага ирғитди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўзибой ҳар тошни ирғитганда, гимнастикачилардай енгил гавдаси билан бир ирғиб тушар ва бу қилиғидан ўзи завқланиб куларди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Юқорига томон силкимоқ, кўтариб ташламоқ. *Арава оҳиста йўл босарди, қўтослар секин, ялқов қадам ташлар ва ўқтин-ўқтин аравакаш «хўш-хўш!» деб, қуруқ суяк қўтосларга қамчи ирғитиб қўярди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ер, худди от олиб қочган аравадай, кишини ирғитиб-ирғитиб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ИРҒИШЛАМОҚ Бир неча бор ёки тинимсиз ирғимоқ, сакрамоқ. *-Ака! – деди Дилбар ва суюнганидан ёш боладай ирғишлай бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Яқинда борсам, қизчалар мени қуршаб олиб, ирғишлаб чапак чалишди: «Суюнчи, суюнчи» деб.* А. Мухтор, Туғилиш. *Бузоқ ирғишлаб ўйнаб бориб, говмишнинг елинига ёпишди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

ИС I **1** Нарсанинг сезги аъзоси (бурун)га таъсир этиш хусусияти ва шу таъсир натижасида юзага келувчи сезги; ҳид. *Иси бор. Иси йўқ.* ▬ *Қимирлатишдан райҳонларнинг ўткир иси ўқтин-ўқтин димоққа келиб урилар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Боғма-боғ ошиб эсаётган шамол димоққа аллақандай хушбўй исларни олиб келади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Тонгда тандир қиздирилди. Нон иси тарқади.* Т. Малик, Ажаб дунё.

2 *кўчма* Дарак берувчи белги, ишора. *Низомулмулк муҳим бир нарсанинг исини пайқагандай, атрофга аланглаб, индамасдан унинг орқасидан юрди.* Ойбек, Навоий. *Чоғимда, тухматнинг иси келадиёв бу ишдан.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Оёқ остидаги нам тупроқдан инсон учун жуда яқин қон-қариндошлик иси димоққа ури-*

ларди. С. Анорбоев, Оқсой. -*Жуда соз, бироқ сиёсий, тарбиявий ишнинг иси ҳам йўқ, – деди Сайрамов.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Ис билади Жуда сезгир. *Ўн чақиримдан ис билади бу муттаҳам.* **Ис олмоқ** Хуфиёна сезмоқ. *Шўрванинг исини олиб, старший билан элликбоши, қоровул кириб келди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Исини чиқармаслик** Ошкор қилмаслик, ҳеч кимга билдирмаслик. *Бизга нимани буюрган эдинглар? Қизни олиб қочиш ҳам бир қанча вақт исини чиқармай сақлаш, шундайми? -Шундай.* Ойбек, Танланган асарлар. *Иккита хотинингиз борлигининг исини ҳам чиқармай, бугун учинчи хотинга уйланяпсиз..* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ИС II **1** У қадар қуюқ бўлмаган, кўринар-кўринмас тарздаги тутун; дуд. *Самовар карнайидан кўтарилаётган ис.*

2 Ёнишдан ҳосил бўлган зарарли (заҳарли) газ, кўмир оксиди; ис гази. *Катта осма лампа тутаброқ ёнганидан, дўконхонадан ис ва қурум ҳиди билан тўлган ҳаво дарров димоққа урар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Овқатдан ис ҳиди келарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Тутун ва чангдан шип ва деворларда, нарсалар юзасида ҳосил бўладиган нозик ипсимон, ипир-ипир нарсалар. *Хизматкорхонанинг деворлари, шиплари ўргимчак инлари, ипир-ипир қора ислар билан қопланган.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Умид] тахмондаги, шифтлардаги исларни супурги билан олиб, полни икки қайта ювди.* Мирмуҳсин, Умид.

Ис босиб (ўтирмоқ) Иш-фаолиятсиз, ҳеч кимга аралашмай, назар-эътибордан четда қолиб. *Бунақа, уйларда ис босиб ўтираверса, юрагига зардоб тўпланади-да. Далани, боғ-роғни кўрмаса, бундай тўй-пўй қилиб, кўнглидаги чигилни ёзмаса..* С. Нуров, Нарвон. **Ис тегмоқ** Исдан заҳарланмоқ (*қ.* **ис 2**). *Насимбой ўзида йўқ аҳволда, отаси узатган пулни қўлида чангаллаганча, ис теккандай каловланиб турарди.* «Муштум». *Кўп хавотирланманг, холажон.. ўғлингизга бир оз ис тегибди.* «Муштум». **Ис чиқармоқ** *этн.* Арвоҳларга атаб ёки инс-жинсларни қайтариш мақсадида махсус иссиқ таом тайёрлаб едирмоқ (қўни-қўшни, маҳалладош, қариндош кишиларга). *Ўғлимнинг қўлини ҳалоллатсам, сўйиб жиндак ис чиқарарман, деб умид билан боқиб юрган бир улоғим бор эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Кеча одамларнинг арвоҳ чалиб кетганмиш. Шунга бувимлар «арвоҳ оши» қилиб, «ис» чиқарибди, – деди Пирназар.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

ИСБОТ [*а.* إثبات – далил, ҳужжат билан аниқлаш] **1** Фикр, даъво, фараз ва ш. к. нинг тўғрилигини ёки юз берган ҳодисанинг чинлигини тасдиқловчи факт, далил. -*Эгриликка олманг, Зайнаб, – деди Кумуш. – Мен бу гапни ёнимда эрим бор бўлганда кирма, деб айтмадим, балки бояги сўзимнинг исботи учун айтдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сўнгги 74 йиллик тарихимизда бўлиб ўтган барча қирғин ва қатағонликларнинг биринчи қурбонлари зиёлилар бўлгани бунинг исботидир.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

2 *мнт. мат.* Бирор қоида ёки даъвонинг тўғрилигини бошқа маълум қоидалар асосида, мантиқий мулоҳаза ва далиллар билан тасдиқлаш усули, тизими. *Пифагор теоремасининг исботи.*

Исбот қилмоқ *айн.* **исботламоқ**. *Планни бажаришимизни уч йилдан бери исбот қиламиз.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ИСБОТЛАМОҚ 1 Фикр, даъво, фараз ва ш. к. нинг тўғрилигини ёки бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг чинлигини далил, ҳужжат билан тасдиқламоқ. *Ўз гапининг тўғрилигини исботламоқ.* ▬ *Энди у солдатларга бутунлай бошқа гапни айтиши керак. Айтишга айтади-ю, лекин қандай исботлай олади?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Омоннинг ҳамма нарсани расмий жиҳатдан мушоҳада этишини билгани учун, фикрини далил билан исботламоқчи бўлди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *мнт., мат.* Бирор қоида ёки даъвонинг тўғрилигини бошқа маълум қоидалар, асосида мантиқий мулоҳаза ва далиллар билан тасдиқламоқ, исбот қилмоқ. *Теоремани исботламоқ.* ▬ *Бу фактлар асосида ўзбек тилида сўз тартибининг ҳам эркин, ҳам боғли эканини исботлайди [олим].* Газетадан.

ИСЁН [*а.* عصيان – бўйин товлаш, итоатсизлик; қўзғолон] **1** Синфий, миллий, ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиб кўтариладиган қўзғолон; ғалаён. *Бу [исён] – улуғ халқ исёни, бу – асрлардан буён давом этган жабрга, қулликка қарши мустамлака камбағалларининг қўзғолони, даҳшатли зарбаси эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Қаршилик, норозилик билан қўзғалувчи, туғён урувчи ҳис-туйғу. *Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолат-*

сизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Газетадан. *Зулм, тахтга қарши исён Шарқ кўксида тўлиб тошди.* Ғайратий. *..юрагида йиғилган ҳамма дарду ситамлари, ҳамма алам, ҳамма исёнларини тўкса арзийдиган қасосли онлар келди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

Исён қилмоқ (*ёки* **кўтармоқ**) Исён намойиш этмоқ. *Зулмга қарши исён қилмоқ (кўтармоқ).* ▬ *Минг-минг одам исён кўтаради, ҳукумат олдига чўқмордан тортиб болта-тешасигача кўтариб келади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Лекин ҳамишалик раҳнамо қалбим Не учун дафъатан кўтарди исён.* Э. Воҳидов, Садоқатнома.

ИСЁНКОР [*а.+ ф.* عصیانکار – бўйин товловчи; исён қилувчи, қўзғалувчи] **1** Исён кўтарувчи ёки исён кўтарган; исёнчи, қўзғолончи. *Давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолмоқ учун исёнкор ва маккор ўғлига қарши юриш қилишдан бошқа иложи қолмади* [*Улуғбекнинг*]. Мирмуҳсин, Меъмор. *Чор ҳокимияти.. исёнкор фуқародан шафқатсиз оммавий қасос олди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Исёнга чорловчи, исёнга даъват этувчи. *Исёнкор шоир.* ▬ *Оловдай қизиб турган миясида исёнкор фикрлар туғён қиларди.* О. Ёқубов, Қанот жуфт бўлади. *Лекин шоирнинг исёнкор овозини тиндира олмади.* Газетадан.

ИСЁНКОРЛИК Исёнкор иши, исёнкорга хос хатти-ҳаракат; бўйин товламаслик, бўйсунмаслик. *Бу қизнинг руҳида бўйсунувчанлик эмас, исёнкорлик борлигини кўриб, тутақиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Исёнкорлик уни охир Олиб келди зиндонга.* Э. Воҳидов, Ғалаён.

ИСЁНКОРОНА Исёнга чорловчи; исёнкорлик билан, бўйсунмасдан. *Бу шоир қалбида исёнкорона шеър туғилишидан дарак.. эди.* С. Сиёев, Аваз. *Хотин-қизлар исёнкорона курашга ўтиб, қўшиқлар куйлаганлар.* «Фольклор».

ИСЁНЧИ *айн.* **исёнкор 1.** *Тошканднинг Қўқонга қарши исён қилган замонида, исёнчилардан бири.. Юсуф ҳожидек бир кимсанинг ўз ўғлини Марғилонга юбориб, бунда ҳам исён чиқариш қасдида бўлмоғи, унингча [қушбегича], ҳақиқатга жуда яқин ва шубҳасиз эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИСИМОҚ 1 Ўзига иссиқлик олиб, ҳарорати кўтарилмоқ. *Сув исиди. Печка қизиб, уй яхши исиди.* ▬ *Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳоким, формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елпинишга тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Кўнгли тортмоқ, рағбати, муҳаббати ошиб, яқинлик сезмоқ; кўнгли илимоқ. *Энди хотинига исиб, меҳмонхонада ётишни ҳам барҳам берса.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўлдошнинг олдига кириб ўтсам, Жамилахоннинг боши кўкка етар. Зора-мора менга кўнгли исиб қолса.. ўғлимнинг ҳам бахти очиларди, – деди Салтанат.* Б. Раҳмонов, Қилмиш-қидирмиш.

ИСИНМОҚ Ўзини иссиққа тоблаб ёки иссиқ жойда ўтириб, баданни иситмоқ. *Ғуломжон челакни ўчоқ ёнига келтириб қўйди, сувнинг эришини кутиб, ўзи ҳам шу ерда исиниб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Пахтасини топшириб бўлганлар исиниш учун йўл ёқасига олов ёқишди.* «Ёшлик».

ИСИРИҚ Исириқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ёввойи ўт ўсимлик [Таркибида алкалоидлар бўлиб, халқ табобатида шифобахш восита сифатида турли йўллар билан (жумладан, тутатиб) фойдаланиб келинади]. *..Исириқни минг дардга даво, деб бекорга айтишмайди.* Газетадан. *Исириқ – гриппга қарши яхши нарса. Ким уни эскилик деса, хато қилади.* Мирмуҳсин, Умид.

Исириқ солмоқ (*ёки* **тутатмоқ**) 1) турли микроб (касалик)ларга қарши, дезинфекция мақсадида исириқнинг қуруғини тутатмоқ. *Хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, кунига икки марта исириқ тутатиш ҳам мақсадга мувофиқдир.* Газетадан; 2) *этн.* инс-жинсни қочириш, «ёмон кўздан сақлаш» ва ш. к. мақсадда исириқ тутатиб, киши боши (атрофи)дан, хона ичида айлантирмоқ. *Кампир, меҳмонлар чиқиб кетиши билан, суюкли куёвига исириқ солди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Лутфинисо дам ўтмасдан келиб, гоҳ «ёмон кўздан сақласин» учун исириқ тутаттирар, гоҳ қизини қучиб йиғлар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИСИРИҚДОН Исириқчининг исириқ солиб тутатадиган мис идиши.

ИСИРИҚЧИ Кишиларга исириқ солиб, шундан тушган садақа билан кун кўрувчи шахс. *Йўлчи қараб, киноя билан қошларини чимирди: -Мен хўжайинларнинг бўйинтуруғига калламни тиқай, ишлай, улар обдан мойимни шилсин, кейин мени «ҳушт!» деб ҳайдасин, мен гадой бўлай, исириқчи бўлай.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИСИРҒА 1 Қулоққа тақиладиган, олтин, кумуш каби металлардан ясаладиган зийнат буюми; зирак. *Тилла исирға.* ▬ *У [Турсуной] маржон, исирға, узук тақишни бировлардан кўриб ҳавас қилар.. эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Баъзи ҳайвонлар, чунончи, эчкининг томоғи остидан осилиб турадиган солинчоқ эти.

ИСИТКИЧ 1 Иситиш асбоби, иситадиган қурилма, механизм. *Пропан гази билан ишловчи иситкичдан сув остининг энг чуқур жойларида фойдаланиш мумкин эмас.* «Фан ва турмуш». *АҚШда ғаввослар учун водород билан иситиладиган иситкич яратиш мўлжалланмоқда.* «Фан ва турмуш».

2 Баданнинг оғриган ерини сунъий иситиш учун қўлланадиган мослама. *Электр иситкич. Резина иситкич.*

ИСИТМА 1 Организмнинг, гавда ҳарорати кўтарилганда намоён бўладиган, зарарли агентлар (касалликлар қўзғатувчи омиллар)га нисбатан ҳимоя-мослашув реакцияси, унинг натижасида юзага келувчи ҳарорат. *Иситмани ўлчамоқ. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади.* Мақол. ▬ *-Хайрият, онангизнинг аҳволи анча тузук бўлиб қолди, иситмаси ҳам қайтди, — деди отаси.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *с. т.* Баданда ҳарорат билан ўтадиган баъзи касалликларнинг (мас., безгак, тифнинг) халқ орасидаги умумий номи. *Қумқишлоқ деҳқонларини қадимдан қийнаб келган ботқоқларни.. иситма, безгак ўчоқларини қуритиш учун бир неча чақирим узунликда зовур қазиш керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *этн.* Кишининг дилини ўзига ёки бошқага мойил этиш мақсадида қилинган амал. *Иссиқ сўзим — иситма, совуқ сўзим — совутма.* Мақол.

4 *сфт* Иситилган. *Иситма ош.*

ИСИТМАЛАМОҚ Иситма ҳолатида бўлмоқ, ҳарорати баланд бўлиб турмоқ. *Матхолиқ ака, қанча ерни суғориб, қанча ерда дарахт кўкартиргандан кейин.. куз пайтида Қамишкапанинг чорбоғ даласидаги ертўлада иситмалаб ётиб, ўлиб кетади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИСИТМАЛАШ Иситманинг юзага чиқиши, унинг жараёни.

ИСИТМА-СОВУТМА *этн.* Кишининг дилини ўзига ёки бирор кимсага мойил қилиш ёки ундан «совитиш» мақсадида қилинган амал. [*Фотима:] Йўқ, тақсир, бўлмайди, сиз иситма-совутмани қилиб бериб кетасиз, ўзим чиқариб юбораман.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

ИСИТМОҚ 1 Ўз тапти, ҳарорати билан бошқа нарсанинг, кимсанинг иссиқлигини оширмоқ, кўтармоқ, иссиқ қилмоқ; ҳарорат бермоқ. *Бектемир унинг совуқ қотган жажжи қўлларини пуфлаб-пуфлаб иситди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Оловга қўйиб, тоблаб ёки бошқа бирор йўл билан иссиқ қилмоқ. *Ошни иситмоқ. Сув иситмоқ.*

3 Исимоқ 2 фл. орт. н. *-Мен қўрқаманки, — деди у [Ҳамдамформа], — Бухоронинг асл шойисидан тикилган ҳилпиллама кўйлаклар.. амиркони ботинкалар сенинг кўнглингни унга иситган бўлмасин.* С. Айний, Қуллар. *Мана ман асл дуохон.. Иситиб, совитиб қўяман.* Ҳамза, Қузғунлар.

ИСКАБТОПАР 1 Қон сўрувчи икки қанотлилар туркумига мансуб, чивинга ўхшаб одамни қаттиқ чақадиган майда ҳашарот.

2 *с.т.* Чивин. *У [кечалари] ҳам гармселлари билан, ҳам қайнашган искабтопарлари билан одамлар бошига қора қийноқ келтиради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИСКАМОҚ 1 Ҳидни бурунга тортмоқ; ҳидламоқ. *Ҳайдар ота бир туп садарайҳонга қўл уриб искади.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Искаб кўрсам, тоза боғнинг гулисан, Қай шаҳарда, қандай бекнинг ўғлисан?* «Ширин билан Шакар».

2 Ҳид олмоқ, ҳидидан изламоқ (ит ҳақида). *Раҳим, елкасида халта, бедазор ёнида турар, «Тарзан» эса тизза бўйи ўсиб гуллаган кўм-кўм беда ичида бир нимани искаб юрарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 *кўчма* Пайқамоқ, сезмоқ. *Ҳа, айёр чўлоқ, искабсан дарров! Бир мақалладан бир қизни олиб қочишди. Бойваччанинг хизматкорининг қизи эмиш..* Ойбек, Танланган асарлар.

Елкаси ер искамаган Курашда йиқилмаган. *Уни Ҳакимполвон деб аташлари ҳам бежиз эмас. У, катта курашларда полвонлар билан беллашган, аммо елкаси ер искамаган.* А. Шермуҳамедов, Пискентлик паҳлавон. **Орқам ер искамади** *с.т.* Ҳеч дам олганим йўқ.

ИСКАНА [*ф.* اسکنه – дурадгорлик асбоби: кескич, искана; парма] Ёғоч, тахтани ўйиш, тешиш учун қўлланадиган, учи япалоқ ўткир пўлат асбоб. *У [отам].. чархнинг парраги ўтказиладиган тешикларни искана билан ковламоқда эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

Искана пайванд *қ.х., боғ.* Пайвандтагни (искана ёки ўткир пичоқ билан) ёриб, новда суқиш йўли билан қилинадиган пайванд.

ИСКАНЖА [*ф.* اسکنجه – қийноқ, азоб; сиқиш асбоби; тахтакач, пресс] **1** Нарсаларни сиқадиган, жипслайдиган асбоб.

2 *кўчма* Сиқиқлик, сиқув; азоб-уқубат. *Бикажонбика кундошлар исканжасида қолди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Берлин исканжада, 1-Украина, 1- ва 2-Белоруссия фронтларининг қўшинлари уни ҳамма томондан қуршаб, темир ҳалқа ичига сиқиб олган.* Газетадан. *Олға борсангиз ҳам, орқага қайтсангиз ҳам, очлик, сувсизлик исканжасидасиз.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

Исканжага олмоқ 1) исканжа орасига олиб сиқмоқ; 2) *кўчма* сиқувга олмоқ, сиқиб қўймоқ. *Энди нолиш ҳам гуноҳ бўлади, ўртоқ Умурзоқова, сиз Қодировни исканжага олиб эзибсиз..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Душманни ҳар икки томондан исканжага оламиз..* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИСКАРТ Белгили меъёр, ўлчов; андоза. *Искартга келмоқ.* ▬ *Энди ташвишининг кўплигини айтинг: искартдан ортиқроқ ёмғир ёғса, экиндан айрилиб қоламанми, деб жонимни ҳовучлаб, нуқул қурбақа ўлдираман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИСКОВУЧ 1 Ис, ҳид биладиган; йўқолган, қочган нарсани, кимсани изидан ҳидлаб бориб топадиган.

Исковуч ит 1) ис, ҳид биладиган (искаб топадиган) ит; 2) *с. т.* овчи ит.

2 *кўчма* Айғоқчи. *Қудрат.. у ерда ўрганганларини маҳаллий ишчилар орасида кенг ёйиб юрган кунларининг бирида уни жандарма исковучлари тутиб қамадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИСЛАМОҚ 1 *шв.* Ҳидламоқ. *Жийда гулин исладим болалардай энтикиб.* Х. Даврон.

2 Дудламоқ. *Октябрь тушиши билан уларни [қўй ва қорамолларни] сўйиб, тузлаб, ислаб олган эдилар.* М. Осим, Ўтрор.

ИСЛАНМОҚ 1 Исламоқ фл. ўзл. н.

2 Айниб, бузилиб, ёмон ҳид олмоқ, сасимоқ (гўшт, балиқ ва ш. к. ҳақида).

3 Ис-қурум босмоқ.

ИСЛИ Иси бор, ҳидли. *Исли райҳон. Исли ҳандалак.* ▬ *Ҳар хил исли бўлар тоғнинг оғочи.* «Равшан». *Сенга кунда ўн марта хуш исли совун билан ювилиб, ҳеч бир нарсага теккизилмайдиган нозик қўллар керак.* С. Айний, Қуллар.

ИСЛИК Ўтовнинг тепа туйнугини бекитиб турадиган қисми.

ИСЛИМИ(Й) [*ф.* اسلیمی – иланг-биланг ўсимликка ўхшаш нақш] Ганч, ёғоч, олтин, кумушга ўйиб, чизиб ёки бўрттириб ишланадиган, зардўзи кийим ва буюмларга зар билан тикиладиган, бир-бирига узлуксиз уланиб, ўралиб кетадиган палаксимон, чирмовуқсимон нақшларнинг такрорланишидан иборат қадимги нақш тури.

ИСЛИҚИ 1 Ифлос ҳолатли (кўринишли); исқирт. *-Қазисан, қартасан, ахир аслингга тортасан — деди кампир омборни қулфлаётиб, — ..Увада, ислиқи тўн, чилвир белбоғнинг хумориси тутгандир!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У [ўгай она].. мурдашўйлардан чиққан ислиқи кийимларни, билмадим, қаердан топиб келтириб, мени уларни кийишга мажбур қиларди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Шундай одамга нисбатли ҳақоратни билдиради. *-Бой ўлгудек хасис, ислиқи эди. Таом десак, тишингнинг кирини сўр, дер эди, — деди бобо.* А. Ҳасанов, Яшариш.

ИСЛОВОТ [*р.* слобода < шаҳар чеккаси < озод деҳқонлар шаҳарчаси] *с. т. эск.* Исловотхона, фоҳишахона. *Некалайнинг замонида қайнатам Искобилдаги исловотда етти йил қоровуллик қилган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ИСЛОВОТХОНА *эск. айн.* **фоҳишахона.** *Исловотхоналари тараққий топган мамлакатларда адашган қизлар, йўлдан озган жувонлар кўпинча Фуод афанди тутган йўллар билан қўлга туширилар.. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИСЛОВОТЧИ *эск.* Исловотхона эгаси.

ИСЛОМ [*а.* إسلام – оллоҳга сиғиниш, итоат] **1** Дунёда энг кенг тарқалган динлардан бири — мусулмонлар дини. *Мисрнинг 1971 йил конституцияси бўйича Ислом давлат дини деб эълон қилинади.* Газетадан. *Ислом дунёсининг энг қутлуғ байрами — Рамазон ҳайитига ҳам, мана, бир неча кун қолди.* Газетадан.

2 Ислом (эркаклар исми).

ИСЛОМИЙ Исломга, ислом динига, мусулмон оламига оид. *Инсонни маънавий камолот йўлига чорлаган энг кучли исломий таълимот тасаввуф деб аталиши кўпчиликка маълум.* П. Қодиров, Тил ва эл. *Ёшларга исломий ахлоқий таълим-тарбия беришнинг айрим долзарб ва ўзига хос хусусиятлари..* Газетадан. *Исломий фанлар тарихида бунчалик катта эътибор топган бошқа ҳадислар тўплами йўқ.* Газетадан.

ИСЛОМИЯ [*а.* إسلاميّه – мусулмончилик] Исломга алоқадор, исломга, ислом, мусулмон оламига мансуб бўлган.

Миллати исломия Ислом динидаги кишилар. *Мақсади диний, дунёвий, ҳар нав фойдали ёзувлар билан миллати исломиянинг кўзини очиш, ҳақиқат йўлини кўрсатишдир.* Ойбек, Танланган асарлар. **Шўройи исломия** *тар.* Туркистон тараққийпарвар зиёлиларининг Тошкентда тузилган ва 1917 йил мартидан 1918 йил баҳоригача фаолият кўрсатган ижтимоий-сиёсий ташкилоти. *Ғишкўприкнинг бир томонида «Шўройи исломия», иккинчи томонида «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи»нинг қуролли соқчилари турарди.* К. Яшин, Ҳамза.

ИСЛОМИЯТ [*а.* إسلاميّت – мусулмончилик] Ислом дини ва ислом олами; мусулмон(чи)лик. *[Мутавалли:] Ажаб эмаски, уларнинг насаби исломиятдан илгариги Бухоро оташпарастларига бориб етса.* С. Айний, Эсдаликлар.

ИСЛОҲ [*а.* إصلاح – тузатиш, яхшилаш; таъмирлаш] **1** Ўзгартиш киритиб яхшилаш, тузатиш. *Ислоҳ, албатта, лозим.. бизда ҳар хил бидъат ишлар кўп.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қорихоналар ўрнида ҳунар ўргатувчи махсус устахоналар очмоқ керак. Мадрасаларда ислоҳ ўтказишни таклиф этаман.* С. Сиёев, Аваз.

2 Тубдан ёки асосан ўзгартиш, янгилаш. *Олий ва ўрта махсус таълим ислоҳи ҳозирда мавжуд барча кўникмалардан кечишни талаб қилаётир.* Газетадан.

Ислоҳ қилмоқ Ўзгартиш киритмоқ, янгиламоқ. *Сув Говхона воҳасигача оқиб бориб, ундан яна иккинчи насос станцияси орқали ўн тўққиз метр баландликка чиқарилиши керак. Лекин биз буни ислоҳ қилмоқчимиз.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ислоҳ қилиш лойиҳаси ўзининг кўзда тутган ўзгартишлари миқёси жиҳатидан жуда чуқур таассурот қолдиради.* Газетадан.

ИСЛОҲОТ [*а.* إصلاحات – «ислоҳ» с. кўпл.] Ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир томонини жиддий ўзгартиш; ислоҳ. *Навқирон янги давлатимизда иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда маънавий-маърифий ишларга ҳам устуворлик берилди.* Газетадан. *Ўтказилаётган ҳар бир ислоҳот жамият манфаатига хизмат қилган тақдирдагина кутилган самарани беради.* Газетадан. *Барча жабҳаларда ислоҳотлар кетаяпти. Назаримда, инсон фарзи, бурчи, қадри маъносида ҳам ўзбекона ҳаракатлар қилмоқ вақти етганга ўхшайди.* Газетадан.

Ер ислоҳоти *тар.* 1920–26 йилларда Ўрта Осиёда маҳаллий бойларга қарашли ерларнинг бир қисмини тортиб олиб, ерсиз, кам ер деҳқонларга бепул тақсимлашдан иборат ислоҳот ва шу ислоҳот билан боғлиқ бўлган тадбир-чоралар. *Исмат ер ислоҳоти, колхоз тузуми даврида жуда катта иш кўрсатди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Шўро ер ислоҳоти ўтказди, катта акам Абдукаримга ўн саккиз таноб ер тегди.* «Ёшлик».

ИСМ [*а.* إسم – ном, киши оти] Шахсий ном. *Исмингиз нима? Исм қўймоқ. Исм бермоқ.* ▬ *Бу ёқимтой боланинг исми Қўзибой!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Исми бор-у жисми йўқ Номи бор-у ўзи йўқ, мавжуд бўлмаган нарса ҳақида айтиладиган ибора. **Исми ом** *тлш. эск. айн.* **турдош от. Исми хос** *тлш. эск. айн.* **атоқли от.**

ИСМАЛОҚ Шўрадошлар оиласига мансуб, бўйи 10–60 см бўладиган, ёш (янги чиққан) вақтида барги овқатга (мас., сомсага) солинадиган ўсимлик, кўкат, ўт. *Исмалоқ сомса.* ▬ *Исмалоқнинг майин барги таркибида ҳам бир талай витаминлар бор.* Газетадан.

ИСМАТ [*а.* عصمت – поклик, бегуноҳлик, маъсумлик] **1** *эск.* Номус, иффат, поклик. [*Гули:*] *Тириклик битди-ю, сақланди исмат. Алишер, найлайин, шул бўлди қисмат.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Исмат (эркаклар исми).

ИСМДОШ Исми бир хил, бир хил исмли; адаш. *Биз иккимиз исмдош эканмиз.*

ИСМЛАМОҚ *кам қўлл.* Исм бермоқ, от қўймоқ.

ИСМЛИ 1 Исмга эга бўлган, исм билан аталган; номли. *Лола исмли қиз.* ■ *Анварнинг айниқса хуш кўрган кишиларидан биринчиси Раъно ва иккинчиси сабоқдош шериги — Насим исмли бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ўз исми билан туғилган. Мас., бирор белгиси билан туғилган болага бериладиган исм. *Бўри (Бўрибой)* (тиши билан туғилган болага қўйилади), *Ортиқ, Норгул* кабилар.

ИСНОД [*а.* إسناد — таянч, тиргак; далил; манба; нисбат бериш, тааллуқли қилиш] Уятга ёки таънага қолдирадиган, номига доғ туширадиган иш; шундай ишдан бўладиган (келадиган) уятли ҳолат. *Ҳа, бу исноднинг бир чеккаси ўқитувчиларга ҳам тегади, бутун мактабга тегади!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мастонбибининг келини бу йил ҳам планини бажаролмабди, деган исноди кўтаролсасанми?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Иснод келтирмоқ *ёки* **исноднга қолдирмоқ** Уятга, номусга, таънага қолдирмоқ, номига доғ туширмоқ.

ИСПАН 1 Испания туб аҳолисининг номи.

2 Испан халқига мансуб. *Испан тили. Испан аёли.*

ИСПАНЛАР Испаниянинг туб аҳолиси; испан халқи.

ИСПАНЧА 1 Испанларга, испан халқи, тили ва маданиятига оид. *Испанча рақс.*

2 Испан тили. *Испанча(ни) биласизми? Испанча гапирмоқ.*

ИСПИҲОН *с. т.* Исфаҳон. *Испиҳони белида, Олғир қуши қўлида.* «Нурали».

ИСРОР [*а.* إصرار — қаттиқ туриб олиш, талаб] *эск. кт.* Қатъий талаб, ўз фикр-талабида туриб олиш. *Офтоб ойимнинг қатъий исрорига биноан қутидор ҳам қизининг шартини қабул этган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Исрор этмоқ Қатъий талаб қилмоқ, туриб олмоқ. *Биз Ҳомидбойни ўзимизга куёв ўғил қилишдан ҳеч бир монелик кўрмаймиз. Аммо қизимиз бундан сўнг эр қилмасликни қаттиқ исрор этадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИСРОФ [*а.* إسراف — ортиқча, меъёрдан кўп харажат қилиш] Нест-нобуд қилиш; ўринсиз ёки ортиқча ишлатиш, йўқ қилиш. *Исрофга йўл қўймаслик.* ■ *Тежам билан ишлатсанг, уй-рўзғоринг бут. Исроф билан ишлатсанг, ёмон кунни кут.* «Қанотли сўзлар».

Исроф қилмоқ Бекорга (ортиқча) ишлатмоқ, нобуд қилмоқ. *Қуръони каримнинг «Аъроф» сурасида «Бойлигингиздан ҳар қанча еб-ичинглар, аммо исроф қилманглар» деган огоҳлантириш бор.* Газетадан.

ИСРОФГАР Исроф қилувчи, исрофга йўл қўювчи. *Тантибойвачча каби исрофгар, бекорчи, қиморбоз куёвни Мирзакаримбой ҳар қанча ёқтирмаса-да, бир вақтлар катта қизининг ундан айрилиш тилагига тўсиқ бўлган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИСРОФГАРЛИК *айн.* **исрофгарчилик**.

ИСРОФГАРЧИЛИК Исроф қилиш, исрофга йўл қўйиш. *Бу харажат, бу исрофгарчиликка тоғ чидамайди, дўстим Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИСРОФЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **исроф қилмоқ** *қ.* **исроф.**

ИСРОФЧИ *айн.* **исрофгар.**

ИСРОФЧИЛИК *айн.* **исрофгарчилик.**

ИССИЗ Иси йўқ, ис чиқармайдиган. *Ўртадаги катта манқалда яхши ўт олдирилган иссиз саксовул кўмир ланғиллаб ёниб турарди.* М. Осим, Ўтрор.

ИССИҚ 1 *от* Жисм таркибидаги молекулалар ҳаракати (ёниш, кимёвий реакция ва ш.к.) натижасида юзага келадиган ва жисмларни қиздирадиган, иситадиган кинетик энергия; иссиқлик, ҳарорат. *Қуёшнинг иссиғи. Оловнинг иссиғи.* ■ *Иссиқ бирмунча бўшашгандек туюлса ҳам, димлик заптида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шарофатхон.. супанинг четига келиб ўтирди, оқ шоҳи рўмоли билан елпиниб, иссиқдан шикоят қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *от* Касалликда юзага келадиган (кўтариладиган) ҳарорат; иситма. *Офтоб ойим эрининг сўзини кучлаб тушди: Иссиғи бор, юзи ҳам қизариб, бўртиб турибди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Иссиғим кўплигидан сув устига сув ичар эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 *сфт.* Юқори ҳароратли, бирор манба ҳарорати билан исиган, қизиган; иссиқ ҳолатли. *Иссиқ сув. Ҳаво иссиқ.* ■ *Шундоқ иссиқ кунда қора қўйлак кийишидан азадорлиги билиниб турарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шербек унинг қўлини иссиқ кафтлари орасига олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 *сфт.* Иссиқликни сақлайдиган, иссиқ тутадиган. [*Эгнида*] *Иссиқ ва янги пальто,*

оёғида ичи жун ботинка, қоракўл қалпоқ, қорни тўқ.. Мирмуҳсин, Умид. *Иссиқ кийинган йўловчилар дам-бадам бурун ва қулоқларини ушлаб, ўз ташвишлари билан югуриб-елардилар.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

5 *от* Қозон овқати, пиширилган (иссиқ) таом. *Яхшиям шу қўшнинг бор экан, дугонанг. Бошим ёстиққа текканда, ўзи, болалари ўтиб, бир қошиқ иссиқ қилиб беради, дўхтир чақириб келади.* С. Нуров, Нарвон. *Кечадан бери [Кумушнинг] ичига иссиқ кирган йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаммамиз деярли ҳар кун бир қошиқ иссиққа муҳтожмиз.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

6 *сфт. кўчма* Кишига хуш келадиган; ёқимли. *Юлдузхон унга енгилгина бош ирғади ва бир кулиб қарадики, Муҳиддин шу вақтгача қизлар кулгисининг бу қадар жозибали, чиройли, иссиқ бўлишини сира учратмаган эди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Луқмонча худди юмалагандай югуриб, медпунктга кириб бораркан, Элчибек уни чақириб, бир иссиқ гап айтгиси келди.* А. Мухтор, Туғилиш.

Иссиқ жой (*ёки* **ўрин)** Ўзи яшаётган, ўзи ўрганган жой (ўрин). *Мавлон билан Наврўз ўз иссиқ жойларини ташлаб.. колхознинг пахтасини ғайрат билан тераётган ёшларнинг ишларидан ҳайрон қолдилар.* С. Айний, Қуллар. *Сабаби бўлмаса, ким иссиқ ўрнини ташлаб, қум тепаликлари орасида саргардон бўлиб юради!* Мирмуҳсин, Меъмор. **Иссиқ жон** Тирик организм, жумладан, одам ҳаётида ҳар хил ҳолатларнинг юз бериши мумкинлигини билдиради, шуни қайд этади. *Иссиқ жон. Мен оғриб ётарман, бир қошиқ сувга муҳтож бўларман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Иссиқ жон дейдилар, жон бўлса бўлар, Пайт келса, чечак ҳам сарғаяр, сўлар.* А. Орипов, Йиллар армони. **Иссиқ уриши (***ёки* **элитиши)** Организмга узоқ вақт (давомли) иссиқ ҳаво ёки инфрақизил нурлар таъсир этиши оқибатида организмда иссиқлик бошқарилишининг издан чиқиши билан юзага келадиган ўткир патологик ҳолат. *Ёзда, саратонда ёки иссиқ бинода узоқ ишлаганда, иссиқ элитиши мумкин.* «ЎзМЭ». **Иссиғида** Вақти ғаниматда. *Бува наридан-бери чойини ичиб, яна йўлга тушди. Омонатни иссиғида эгасига топшириш керак-ку..* Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. *Ё бу уйдан иссиғида кетинг, ё хулқингизни тузатиб олинг!* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. **Истараси иссиқ** *қ.* **истара**. **Кўзга иссиқ кўринмоқ** 1) маъқул ва ёқимли кўринмоқ. *Дадаси дейман, дўстингиз Олимжонни жуда мақтаб юборди-ю.. қизингиз бир нарсани билар экан-да, ҳайтовур, шу йигит кўзимга иссиқ кўринган эди.* О. Ёқубов, Чин муҳаббат; 2) танишдек кўринмоқ. *Ҳой, менга қаранг, кўзимга иссиқ кўринасиз. Ёпирай, Карим ака, мени танидингизми?* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Одамнинг юзи иссиқ** Кўз кўзга тушганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам одамнинг (инсоннинг) эътибори сақланишини қайд этади. *Маҳмуд бобо бошлиқни топиб олиб, боплаб сўкмоқчи эди. Лекин одамнинг юзи иссиқ-да, унга дуч келиб, кўзлари кўзига тушгач, анча бўшашди.* Газетадан. **Темирни иссиғида босмоқ** *айн.* **темирни қизиғида босмоқ** *қ.* **темир.**

ИССИҚЛАМОҚ 1 Иссиқда қолмоқ, иссиқ ўтиб кетмоқ. *Иссиқлаб келдинг, совуқ сув ичма.* ▬ *Каримов, иссиқлагандан бўлса керак, пальтосини ечиб олган.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Иссиққа бардош беролмай қийналмоқ. *Қалмоқи сигирлар ёзда иссиқлаб қолади.*

ИССИҚЛИК 1 Иссиқ ҳолат (даража). *Қум барханлари силсиласи узра жимирлаб ҳарорат кўтарилар — бу ерда иссиқлик жуда баланд бўлишига қарамай, Меъмор қийналмай нафас олар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *айн.* **иссиқ 1**. *Реакторда бўладиган иссиқликни чиқариб ташлаш учун икки контурли система қўлланади.* «Фан ва турмуш». *Кумуш иссиқлик ва электрни бошқа металларга қараганда яхши ўтказади, ёруғликни яхши қайтаради.* Газетадан.

3 Халқ табобатида: юқори калорияли таом, егулик-ичкиликлар (қази, палов, ширинлик ва б.) *Ялпиз. Иссиқлик.. сиқиб чиқарилган селига пича сирка қўшиб ичилса, ички аъзоларда содир бўладиган қон қуюлишини тўхтатади.* К. Маҳмудов, Кўкда гап кўп. *Шарқ халқлари орасида овқатларни «иссиқлик» ва «совуқлик» деб бўлиб ҳам юритилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

4 *тиб.* Қаттиқ терлаш ва терининг секин буғланиши оқибатида ёки бирорта касаллик туфайли терида пайдо бўладиган тошма, пуфакчалар. *Боланинг баданига иссиқлик тошибди.*

5 *кўчма* Яхшилик, фойда, «ёруғлик». *Деҳқон бундан иссиқлик чиқишига ишончини*

йўқотгач, асабийлашган ҳолда қичқирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ИССИҚСЕВАР Иссиқни севадиган, иссиқда яхши ривожланадиган (дарахт, экин ва ш. к. ҳақида). *Чой иссиқсевар ўсимлик бўлиб, катта майдонларда ўстирилади.* Газетадан. *Бодринг — иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ИССИҚ-СОВУҚ 1 Иссиқ ва совуқ; ҳар хил даражадаги ҳаво шароити. *Ўлим етиб келди. У энг аввал суяклари жуда мўрт ва этлари иссиқ-совуққа чиниқмаган гўдакни нишонга олди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оч қолиб, иссиқ-совуқ демай курашганимизни.. фаровон турмушни орзу қилганимизни хотирлашди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Ҳаётнинг яхши-ёмон, оғир-енгил кунлари, ҳар хил шароитлари. *Юсуфбек ҳожининг: -Ўғлим ёш, сен дунёнинг иссиқ-совуғини тотиган ва менинг ишонган кишимсан.. — деб таъкидлаши.. қулоқлари остида такрорлангандек бўлар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Бошлиқ] Қирқ бешлар чамасида, анча пихи қайрилган, иссиқ-совуқни бошдан кечирган.* С. Абдулла, Куёвлар, келинлар.

3 Иссиқ ва совуқ таомлар, кундалик ейиладиган, ичиладиган нарсалар. *Темир полвоннинг ўғил-қизлари аҳён-аҳён унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришарди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

4 *этн.* Кишини гўё бирор кимсага «иситадиган» ёки ундан «совитадиган» амал, дуо ва ш.к. нарсалар. *Далаю даштларда одамларни куф-суф қилиб, эзибички ёзиб бериб, иссиқ-совуқ қилиб, бинойидек тирикчилик қилиб юрибман.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Кейинги қилдирган иссиқ-совуғи кор қилди, шекилли, бибратўласига Марғилонни тилига олмаёқ қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИССИҚ-СОВУҚЧИ *этн.* Иссиқ-совуқ қилувчи дуохон. [*Юсуфбек ҳожи*] *Хотинининг.. шикоятларини ҳамма вақт эшитар, доимо иссиқ-совуқчи домла, хўжаларникида бош оғритиб юришини ҳам билар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИССИҚХОНА 1 Ҳаммомниег терлатадиган даражада иситиладиган алоҳида хонаси. *Яқингинада юз ва сочларини силаб эсган шабада ҳозир сусайиб, ҳаво ҳаммомнинг иссиқхонасидагидай дим бўлиб қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ўсимлик ёки ҳайвонларни совуқ вақтда парваришлаш учун қуёш нури билан иситиладиган махсус ойнавон қурилма, бино. *Парниклар ва иссиқхоналарда етиштирилган эртанги сабзавот.* ▬ *Гоҳ идорада, гоҳ лабораторияда, гоҳ ўсимлик, гуллар ўстирилаётган иссиқхонада тўқнаш келиб қолишса, расмийгина саломлашиб ўтишади.* С. Нуров, Нарвон. *Қўшни маҳалладаги иссиқхона эгаси олтмиш минг сўм ойлик бермоқчилигини айтди.* Газетадан.

ИСТАГАН 1 Истамоқ фл. сфдш. Истаган одамимни топдим.

2 *айн.* **исталган 2.** *Магазинларда истаган нарсангизни топа оласиз.* «Муштум». [*Китобхонлар*] *Истаган вақтда, истаган китобини топиб олиб ўқийдиган шароитга эга бўлишлари керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИСТАК I **1** Эҳтиёж ҳис-сезгиси; хоҳиш, майл. *Бунга истаги йўқ. Истаги бор. Истак билдирмоқ. Ўз истаги билан иш қилмоқ. Истагига қарши чиқмоқ.* ▬ *Инсоннинг эркига тўсқинлик қилиш ҳам, унинг истак ва интилишини поймол қилиш ҳам ваҳшийлик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Лекин кўнглида эса, кошки шундай бўла қолса, деган истак ҳукмронлик қилар эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Ўзгага қаратилган, кимсага нисбатан бўлган яхши ният; тилак. *Истак шуки, ёш авлод бўлсин Келгусининг ҳусни ва нақши.* Э. Раҳим. *..чўпонни табриклашди, яхши истаклар билдиришди.* Газетадан.

ИСТАК II Ток пояларини боғлаш учун ишлатиладиган новда (асосан, тол новдаси). *Боғ очилганига бир ҳафта бўлди, боғбоннинг қўлида истак.* С. Аҳмад, Колхозда баҳор. *Узоқ ўйлаб ўтирмай, тут, қайрағоч ва тол каби дарахтлардан истак чилпидим.. Истакларни белбоғимга қистириб, ишкомга кирдим.* А. Қодирий, Жинлар базми.

ИСТАКЛИК Истак бўладиган новда.

ИСТАЛГАН 1 Исталмоқ фл. сфдш. *Исталган натижага эришилди.*

2 Нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ҳар бири истисносиз; хоҳлаган. *Шанхайлик ишбилармон уста Мей Чокун оламнинг исталган нуқтасидаги маҳаллий вақтни кўрсатадиган соат кашф этди.* Газетадан.

ИСТАЛМОҚ Истамоқ фл. мажҳ. н. *Исталган натижага эришилди.*

ИСТАМОҚ 1 Ихтиёр этмоқ; хоҳламоқ. *Кўнглингиз нима истайди? Истаган нарсангиз топилади. Мен сизни ранжитишни истамайман.* ▬ *Хайрибиби, Комилжоннинг*

онаси – Меҳрихонни қўмсаб, ҳасратлашиб ўтиришни истаб қолди. Д. Нурий, Осмон устуни. *Лекин Гулчеҳра Султон билан Дилбар ўртасида ғов бўлишни сира-сира истамасди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 *шв.* Ахтармоқ, изламоқ, қидирмоқ. *Сиз кимни истаб эдингиз?* ▬ *Зар қадрини билади заргар, Кошки заргар бўлса жононим; Зўр машаққат бўлса ҳам агар, Истаб келса мени меҳмоним.* Ё. Мирзо. *..ёнидан папирос чиқарди-ю, чўнтагини ковлаб, гугурт истаб қолди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ИСТАРА [*ф.* استاره < ستاره – юлдуз]: **истараси иссиқ** Чеҳраси, юз кўриниши, ёқимли; хуш кўринишли, жозибали; юлдузи иссиқ. *Истараси иссиқ йигит.* ▬ *Халил жажжигина, истараси иссиқ, сочлари қўнғироқ, бўйи ўзига қарийб тенг келадиган дилкаш бир қиз билан танишди.* Туйғун, Дўстлик севинчлари.

ИСТАРАЛИ Юз тузилиши, қиёфаси ёқимли. *Азизхон чинакамига истарали, бутун вужудида аллақандай бир жозиба ўйнаб турарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ишкомда туғилиб, чайлада катта бўлган бу истарали йигит соҳибкорликни ўн беш ёшидаёқ эгаллаб, санъат даражасига кўтарган эди.* А. Мухтор, Чинор.

ИСТАРАПИЛ [*р.* стропила < строп – хода; том, шип] *с. т.* Томга ёпиладиган тунука, шифер ва ш.к. ни кўтариб турувчи қия тўсинлар. *Истарапил қурмоқ.*

ИСТАР-ИСТАМАС *рвш.* Унчалик истаги бўлмагани ҳолда, унчалик хушламаган ҳолда. *Истар-истамас рози бўлмоқ.* ▬ *-Ҳа, шу ёқда ишим бор, – Мавлон ака истар-истамас жавоб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Комилжон косадаги чучварадан истар-истамас еди-да, уни нарига суриб қўйди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ИСТЕЪДОД [*а.* إستعداد – тайёргарлик, тайёрлик; мойиллик; қобилият] **1** Ниҳоятда зўр ижодий қобилият; лаёқат. *Шоирлик истеъдоди. Истеъдод эгалари.* ▬ *Биласиз, бутун истеъдодини халқ учун сарфлаган улуғ одамлар ўзларини гражданин деб атаганлар.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳар кимса ўз истеъдодига қараб ўзидан кейин бирор из қолдириб кетиши керак.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Истеъдодли бола ҳар қандай оилада дунёга келиши мумкин, лекин ундаги истеъдоднинг намоён бўлиши..* «Тафаккур».

2 Истеъдод эгаси. *Истеъдод – жамиятнинг интеллектуал мулки.* «Тафаккур». *Аср бошида адабиёт саҳнасига чиққан адибларимиз катта истеъдодлар эдилар.* Газетадан. *Истеъдодларни ҳам халқ ўзи етказиб беради, талантлар халқ ичидан етишиб чиқади.* Газетадан.

ИСТЕЪДОДЛИ Истеъдодга эга бўлган; қобилиятли, лаёқатли. *Бизнингча, истеъдодли бола деганда, ноёб интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ҳамда жамият тараққиётини белгиловчи, ижтимоий қиммати зўр билимларни мукаммал эгаллашга қобил ўқувчини тушунишимиз лозим.* «Тафаккур». *Бобур энди ўн тўққизга кирган ёш йигит бўлса ҳам, ниҳоятда истеъдодли, ниҳоятда довюрак саркарда эканини Шайбонийхон амалда кўрди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ИСТЕЪМОЛ [*а.* إستعمال – ишлатиш, фойдаланиш; амалиёт, одат] **1** Иқтисодий-маиший эҳтиёжлар учун ишлатиш; қўллаш, фойдаланиш. *Кенг истеъмол моллари. Истеъмолдаги сўзлар.* ▬ *Тилимиздаги баъзи бир сўзлар даврлар ўтиши билан эскириб, истеъмолдан чиқиб кетади.* «Ўзбек тили» дарслиги. *Эҳтимол, ғижжак ва ғижжаксимон созларнинг дунёдаги барча халқлар мусиқий истеъмолида кенг тарқалганлиги..* Газетадан.

2 Ейиш-ичиш; қабул қилиш. *Гўшт истеъмол қилмоқ. Дори истеъмол қилмоқ.* ▬ *Аъзоларнинг ўз истеъмоллари учун экилган майда экинлари ҳам чакки эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Истеъмол қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) эҳтиёж учун фойдаланмоқ; қўлламоқ, ишлатмоқ. *Ёғчироқ кўп йиллардан бери истеъмол қилинмай қолган бўлса-да, лекин ўз вақтида фавқулодда роль ўйнаган.* Т. Қориниёзий, Ҳаёт мактаби; 2) тановул қилмоқ; емоқ, ичмоқ. *Сут, қатиқдан кўпроқ истеъмол этяпсизми?* Мирмуҳсин, Меъмор. *Карам – халқимиз севиб истеъмол қиладиган хушхўр сабзавотлардан бири.* Газетадан.

ИСТЕЪМОЛЧИ Истеъмол қилувчи, ишлатувчи, фойдаланувчи; харидор. *Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа бўлиб турибди.* «Меҳнат».

ИСТЕЪМОЛЧИЛИК Истеъмол билан боғлиқ, истеъмол қилишга оид. *Давлат ишлаб чиқариш ташкилотларини бюджет томонидан қўллаб-қувватлашни кескин ка-*

майтириш, истеъмолчилик сармоя ёрдамини чеклаш.. Газетадан.

ИСТЕЪФО [*а.* إستعفاء – кечириш ҳақида илтимос қилиш; вазифадан чекиниш, бўшашни исташ] **1** Ҳарбий хизматчиларни ёши ўтганлиги, касаллиги ва б. сабаблар туфайли ҳарбий хизматдан бўшатиш.

2 *ҳуқ.* Ҳукуматнинг, унинг бошлиғи ёки алоҳида вазирларнинг ҳукуматга ишончсизлик билдирилиши, ҳукуматдаги ички ихтилофлар туфайли ўз мансаби ёки хизматидан кетиши, воз кечиши; ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши. *Сухартонинг энг яқин сафдошларидан бири Хармоко ҳам президент истеъфосини талаб қила бошлади.* Газетадан. *-Истеъфоларини қабул этмайман, бориб вазифангизни бажараверинг, – деди* [*амир*]. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Истеъфо бермоқ Мансаб-вазифасидан кетмоқ, кетиш ҳақида мурожаат этмоқ. *Ўттиз икки йиллик ҳукмронликдан сўнг Индонезия Президенти Сухарто истеъфо берди.* Газетадан. **Истеъфога чиқмоқ** Мансаб-вазифасини тўхтатмоқ, ундан кетмоқ. *Халқ яширин овоз билан, демократик асосда сайлаган раҳбарларнинг истеъфога чиқишини талаб қилиш ҳам адолат талабларига зиддир.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида. *Ишбилармонлардан баъзилари бўлса, ё жойларини тополмай юришибди, ё элбурундан истеъфога чиқиб олишибди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Истеъфодаги** Истеъфога чиққан, истеъфода бўлган. *Шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш учун.. истеъфодаги тажрибали юристларни ҳам жалб этдик.* Газетадан.

ИСТЕҲЗО [*а.* إستهزاء – устидан кулиш; мазах, пичинг, киноя] Кимсанинг устидан кулиш, масхара қилиш; масхара, мазах ва унинг, одатда, гап-сўз, мимика ва ш. к. замирида ётувчи ифодаси. *-Балки, бегингизнинг тамалари хон қизидадир, – деди истеҳзо билан Ҳомид.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Соддадил кампир унинг овозидаги истеҳзони сезмасдан, дарров кўзига ёш олиб, ҳасрат қила бошлади.* О. Ёқубов, Ота изидин.

ИСТЕҲЗОЛАНМОҚ *кам қўлл.* Масхара (истеҳзо) ифодасини намоён қилмоқ. [*Кумуш*] *Зайнабнинг бир ярим қарич осилиб кетган қовоқ-дудоғига истеҳзоланиб, томоша қилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИСТЕҲЗОЛИ Истеҳзо ифодали, замирида истеҳзо бўлган. *Унинг лўппи, юмалоқ юзларида истеҳзоли кулги пайдо бўлди.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди. *Муҳаммаджонга доим илиқ муомала қиладиган Зуфар Ҳакимович бугун нега қўл бериб кўришмагани мана шу истеҳзоли саволидан билиниб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИСТЕҲЗОСИЗ Истеҳзодан холи. *Унинг кулгиси истеҳзосиз, самимий эди; ҳазиллари пичингсиз, қочириқлари аччиқ эмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

ИСТЕҲКОМ [*а.* إستحكام – мустаҳкамлик, мустаҳкамланиш; мудофаа иншооти] **1** *ҳарб.* Мудофаа, душмандан сақланиш учун қурилган мустаҳкам тўсиқ, ғов, девор, қалъа ва ш. к. *Ҳарбий истеҳком. Мудофаа истеҳкоми. Дала истеҳкомлари. Истеҳком қурмоқ.* ▬ *Сиз мардлар авлоди, сиздаги ғурур Пўлат найза каби ўткир, букилмас. Шунқор кўкрагингиз истеҳкомдан зўр.* Ғ. Ғулом. *Тоштемир бўлинмаси зиммасига душман истеҳкомларини портлатиш вазифаси юклатилган эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Умуман, муҳофаза учун (мас., қум бўронидан сақланиш учун) ишланган қурилма.

ИСТИБДОД [*а.* إستبداد – ўзбошимчалик, зўравонлик; мутлақ ҳокимият] Мустабидларнинг маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуқига асосланган жабр-зулм, эзиш; шу асосга қурилган идора усули. *Тошкент халқи Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак сўрашни ҳам билмайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳатто Олий кенгаш Бухорода амирлик йиқитилганидан, истибдодга барҳам берилганидан қаноатда эканини баён қилибди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ИСТИБДОДЧИ Истибдодга асосланган; мустабид, золим.

Истибдодчи ҳукумат Золим подшоҳ ҳукумати.

ИСТИЛО [*а.* إستيلاء – қўлга киритиш, эгаллаб, босиб олиш] Қурол кучи билан ўзга мамлакатни босиб олиш, забт этиш. *Араблар истилоси. Ажнабийлар истилоси.* ▬ *Бухоро шаҳрининг ҳар ерида турли қурилишлар бошланиб кетди. Уларнинг энг йириги ва ҳатто мўғуллар истилосидан кейинги энг улкани Улуғбек мадрасаси эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИСТИЛОЧИ Истило этувчи ёки этган; ўзгаларнинг ерини, мамлакатини қурол

кучи билан босиб олган; тажовузкор. *Жуда қадим замонлардан туғилган бу дўстлик чет эл истилочиларига қарши биргаликда олиб борилган курашларда мустаҳкамланди.* Газетадан. *Бизнинг майда-чуйда ҳокимларимиз бир-бири билан иноқ бўлмагани, бирлаша олмагани сабабли, катта кучга эга бўлган истилочининг ҳамласига дош беролмадик.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИСТИЛОЧИЛИК Ўзгалар мамлакатини қурол кучи билан босиб олиш, шундай мақсад йўлидаги хатти-ҳаракат, сиёсат; тажовузкорлик. *Истилочилик сиёсати.* ▬ *XIX аср бошларида қирғизларнинг ерлари ажнабий босқинчиларнинг истилочиликдан иборат интилишларининг объекти бўлиб қолган эди.* Газетадан.

ИСТИЛОҲ [*а.* إصطلاح – одатдаги сўз қўллаш; атама, термин] *эск. кт.* Термин, атама. *Фалсафа истилоҳлари.*

ИСТИЛОҲОТ *эск. кт.* Терминология, терминлар, атамалар.

ИСТИНОД [*а.* إستناد – суяниш, таянч; далиллаш, асослаш] *эск. кт.* Таяниш, орқа қилиш, суяниш; таянч, суянчиқ. *Давлатнинг истиноди. Истинод этмоқ.*

ИСТИНОДГОҲ *эск. кт.* Таяниладиган, беркиниладиган жой; таянч, орқа.

ИСТИОРА [*а.* إستعاره – қарз(га) олиш; сўзни ўз маъносидан бошқа маънода қўллаш] *ад.* Предметлар ўртасидаги ўхшашликка асосланган бадиий кўчим.

ИСТИРОҲАТ [*а.* إستراحت – дам олиш, роҳат қилиш; танаффус] Дам олиш, ҳордиқ чиқариш; ҳордиқ. *У [Сидиқжон] ..истироҳат чоғларида рўпара келган тўпга қўшилиб, хурсандчилик қилар.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу ов Авазга катта истироҳат бахш этди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ғуломжон, узоқ йиллар оғир ётиб турган касалдай, баҳор ва ёз паллаларини қишлоқда истироҳат билан ўтказди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Истироҳат қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ. *Навоий.. тўнини ечиб, бир нафас истироҳат қилмоқчи бўлди.* Ойбек, Навоий. *У андак истироҳат этгани уйга кириб кетди.* С. Сиёев, Аваз.

ИСТИРОҲАТГОҲ Дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган жой. *Гоҳ одамлар.. велосипедга миниб, шаҳардан ташқаридаги истироҳатгоҳ – булоқ бўйига жўнайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ИСТИСНО [*а.* إستثناء – нарсалар тўпламидан бирортасини ажратиш; мустасно қилиш] *рвш.* Қонун-қоидадан, умумий тартибдан ёки қатордан, ҳисобдан ташқари; мустасно. *Умумий қоидалар ҳамма вақт истиснога йўл қўяди.* ▬ *Экскурсияга ҳамма боради, бундан фақат дежурликка қолдирилган болалар истисно.* Газетадан. *..шароит ҳамиша зарур вақтларда ўз қоидаларидан истиснога йўл қўяди.* С. Айний, Эсдаликлар.

Истисно қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Қонун-қоида, тартиб, қатор ва ҳисобдан ҳоли қилмоқ. *Дарҳақиқат, Йигиталининг коллективи, Шоди Мударрисовични истисно этганда, ажойиб кишилардан иборат эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Ўзбекистонда (тоғ районларини истисно қилганда) бу йилги юнг жуда яхши чиқди.* Газетадан.

ИСТИСНОСИЗ *рвш.* Истисно қилмасдан; мустасносиз, беистисно. *Бу йил истисносиз ҳамма хўжаликларда камида икки йилга етадиган озуқа тайёрлаш мумкин.* Газетадан.

ИСТИСҚО [*а.* إستسقاء – сувга талаб, эҳтиёж; қоринга сув йиғилиши] *тиб.* Юрак, буйрак ва ш. к. нинг касалланиши натижасида тана тўқимасида, хусусан, тери ости ёғ қаватида сув тўпланиши. *Мен фалон бойваччанинг хотини бўлар эдим. У киши яқинда истисқо касали билан ўлди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Нўхат қайнатилган сув истисқо ва сариқ касалига фойдалидир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ИСТИФОДА [*а.* إستفاده – фойдаланиш; фойда олиш] Фойдаланиш, ишлатиш.

Истифода қилмоқ *(ёки* **этмоқ***)* Фойдаланмоқ, қўлламоқ, ишлатмоқ. *Улар оммада диний, миллий адоват қўзғаб, уни ўз мақсадлари йўлида истифода қилмоқчилар, бу орада сен ва мен ҳаром ўлиб кетамиз.* С. Айний, Дохунда. *..инсонлар унинг билимларидан, тажрибаларидан истифода этадилар..* Газетадан.

ИСТИФОДАЛАНМОҚ Фойдаланмоқ, истифода қилмоқ.

ИСТИФСОР [*а.* إستفسار – сўров, сўраб билаш; хабар олиш] Изоҳ талаб қилиш, сўраб билиш. *Чол ҳозир боши берк кўча ичида.. большевикнинг асли-насли ҳақида узундан-узоқ истифсор талаб қиладилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ИСТИҚБОЛ [*а.* إستقبال – бирор кимса ёки нарсани қарши олиш, кутиб олиш; келажак замон] **1** Келгуси замон, келгу-

сидаги ҳолат, ҳаёт; келажак. *На ҳозирги ҳолати, на истиқболи унга ҳеч нарса ваъда қилмас эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Анвар истиқболда қанчалик мушкулот ва хатар кўрмасин, бу жасоратни хуш қабул қилишга мажбур, чунки муҳаббатдан ҳам илгари йигитлик тақозоси шу эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Келгусига оид, келажак билан боғлиқ нарса, иш ва ш. к. *Якун ва истиқболлар.* Газетадан. *Ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик учун чинакам истиқболлар ҳам белгилаб олинди.* Газетадан. *Бундан мақсад бу конларнинг қачон очилгани, қанча муддат фойдаланилгани ва, ниҳоят, уларнинг истиқболини аниқ белгилаш устида илмий иш олиб бориш эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Қарши олиш, қаршилаш (ва унинг белгиси, ифодаси). *Йигитали қадамини тезлатди-ю, негадир қиз истиқболига ошиқмади.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Чўлбобо истиқболига аёллар ўринларидан турдилар, унга тўрдан жой кўрсатдилар.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Умид узоқдан Ҳафиза келаётганини кўриб, истиқболига юра бошлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Икки солдат билан истиқболига чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ИСТИҚБОЛЛИ Истиқболи порлоқ, келажагидан яхши умид қилса бўладиган. *Истиқболли ёш олим. Истиқболли иш.* ▬ *Истиқболли режа ва лойиҳаларга эса лозим даражада эътибор берилмади.* Газетадан. *..Берта Давидованинг бундан кейинги ижоди янада баркамол, янада истиқболли бўлишига ишонамиз.* Б. Насриддинов, Санъат ошиғи.

ИСТИҚБОЛСИЗ Истиқболи, келажаги йўқ; келажагидан яхши умид қилиб бўлмайдиган. *Истиқболсиз режа.*

ИСТИҚЛОЛ [*а.* إستقلال – мустақиллик, мустақил, эркин бўлиш] Инсон, миллат, давлатнинг бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки билан яшаши, ўзини-ўзи идора этиши; мустақиллик, эркинлик. *Миллий истиқлол.* ▬ *Истиқлолга эришганимиздан кейин мустақиллик даврига муносиб янги қонунчиликни яратиш вазифаси вужудга келди.* Газетадан. *Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасида ҳам мамлакатимиз мавқеи анча кўтарилди.* «Фан ва турмуш».

ИСТИҚОМАТ [*а.* إستقامت – тўғрилик, ҳалоллик; тўғриланиш; бирор жойда бўлиш]: **истиқомат қилмоқ** *(ёки* **этмоқ**) Бирор жойда ҳаёт кечирмоқ; яшамоқ, турмоқ. *Бундан бир неча йил бурун аёллар, гўдаклар истиқомат қилган ертўла.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Кўчат ўтқазишни.. ўзимиз истиқомат қилаётган ҳовлидан.. бошлайлик.* «Гулистон». *Биздаги маълумотларга қараганда, ноқонуний савдо билан шуғулланувчи шахсларнинг аксарияти шу туман ҳудудида истиқомат қилади.* Газетадан.

ИСТИҚОМАТГОҲ Истиқомат қилинадиган жой, турар жой. *Воҳадаги истиқоматгоҳларнинг мустаҳкамланганлиги.. Хоразмнинг сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолганлигини кўрсатади.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ИСТИҒНО [*а.* إستغناء – эҳтиёжсизлик, бадавлатлик; ноз-карашма қилиш] **1** Муҳтож бўлмаслик (эҳтиёж сезмаслик) ҳистуйғуси, шундай ҳис-сезгили муносабат, ҳолат. *Эгасининг одамгарчилиги ҳар қанча катта бўлганда ҳам, меҳмонларинг.. истиғно ва виждон доирасидан чиқмаслиги лозим.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Гўзал қилиқ билан тортиниш; ноз. *Нуқра Давроннинг ўзига қадалиб турган кўзларига: «Менга мунақа қараманг», дегандай истиғно билан боқди-ю, бармоқларини силкитганча, дарахтлар орасига шўнғиб кетди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *-Бас, бас-э! – деб Қирмизхон истиғно билан чимирилди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ИСТИҒНОЛИ Истиғно ифодаловчи, истиғно билан. *Истиғноли қараш.* ▬ *Қирмизхон бўялган лабларини истиғноли бурди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ИСТИҒНОЧИ Истиғно қилувчи; нозли, қарашмали.

ИСТИҒФОР [*а.* إستغفار – гуноҳни кечиришни, афв этишни сўраш] Худодан гуноҳни кечиришни сўраш, қилган гуноҳларига тавба изҳор этиб, «астағфируллоҳ!» дейиш.

Истиғфор айтмоқ (*ёки* **келтирмоқ**) Гуноҳни ўтишни сўрамоқ, «астағфируллоҳ» демоқ. *У* [*аттор*] *из қидириб, эшоннинг дарвозасигача келса ҳам, эшондан шубҳа қилиш гуноҳ бўлганидан, истиғфор айтиб, қайтиб кетган.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Дилингиздаги васвасаларни ҳайданг. Истиғфор айтинг.* К. Яшин, Ҳамза.

ИСТИҲОЛА [*а.* إستحاله – бир ҳолатдан бошқасига ўтиш, ўзгариш; мумкин эмаслик] Андиша, мулоҳаза ҳисси; тортиниш. *Шарофат хола ўйининг охирига етмас.. лекин истиҳола билан индамас эди.* Ё. Шукуров, Орзулар. *Келин-ку янги тушган оилада истиҳола билан кескин ҳаракат этолмагандир. Аммо йигит-чи?* «Муштум».

Истиҳола қилмоқ *(ёки* **тортмоқ***)* Шундай ҳисни туймоқ. *Муса зарда билан бурилиб, Бўтага еворгудек бўлиб тикилди, айтадиган гапи уятлироқ экан шекилли, аёллардан истиҳола қилиб айтолмади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Жуда истиҳола тортиб, пешонамдан тер чиқиб кетди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Бироқ шундай фильмлар ҳам борки, гоҳида уларни кино дейишга истиҳола қиламиз.* Газетадан. **Истиҳолага бормоқ** *айн.* **истиҳола қилмоқ.** *Чувак юзли йигит сира истиҳолага бормай, яна гапира кетди.* Газетадан.

ИСФАҲОН [*ф.* اصفهان – Эроннинг марказий қисмидаги шаҳар номи]: Исфаҳон пўлатидан ясалган қилич; ўткир қилич. *Белда кескир исфаҳон.* «Равшан». *Бир солар исфаҳон – ўткир қиличди, Обрў бер деб, хипча белга боғлайди.* «Ойсулув».

ИСФАҲОНИЙ Исфаҳонга мансуб, Исфаҳонда ёки Исфаҳон пўлатидан ясалган. *Бобур.. Малик Хожага уч ҳафта муқаддам ўз қўли билан исфаҳоний қилич тортиқ этган эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ИСЧИРОҚ 1 Пилик ёки пилта билан, ёғ қуйиб ёқиладиган лампасиз чироқ. *Зиғир ёғи қуйилган исчироқнинг шуъласидан жувозхона ичи қизғиш қоронғи эди.* Н. Фозилов, Оқим.

2 *дин.* Азиз-авлиёлар ўтган жойларга маълум вақтларда ёқиладиган чироқ. *Холжон хола ҳар икки ҳафтада чилтонларга атаб шавла қилади, исчироқ билан куймаланади.* Ғайратий, Довдираш.

ИСҚАРЛОТ [*итал.* scarletto < *лот.* scarlatum – тўқ қизил рангли қимматбаҳо газлама < *а.+ф.* إسقرلات] *эск.* Қирмизи, тўқ қизил қимматбаҳо мато ва шундай матодан тикилган кийим (асосан, чакмон). *Тез бўл, исқарлот жомани кийгил, дасторни ўрагил!* Ойбек, Навоий. *Ким билади.. Машҳадийнинг силлиқ назми валинеъматнинг кўнглини шундай асир қиларки, у исқарлот чакмон ҳам инъом қилиб юборар!* Ойбек, Навоий.

ИСҚИРТ 1 Жуда ҳам кир; яғир, ифлос. *Бекнинг кўзига бўйнига тўрва осган юпун аёл кўринди. Кўйлаги йиртиқ. Оппоқ билаклари исқирт.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳовлида тинмай-қўнмай хизмат қилиб юрган пахмоқ сочли, исқирт кийимли ёш-қари хотинлар ҳам анчагина.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шундай ҳолатга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Мингбоши ўрнидан даст туриб, Қудратга ўдағайланди: -Йўқол кўзимдан, исқирт!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Чиқит, кераксиз (нарса, кимса). *«Исқирт бўлиб лақиллаб юраманми», дедимда, орқамдан ўпкасини қўлтиқлаб юрган Махзумовга турмушга чиқиб олдим.* Ғайратий, Довдираш. *20 кишига мўлжалланган бу ошхонага.. 150 килограмм нон олиниб, шундан 30 килограмми исқиртга чиқаркан.* Газетадан.

ИСҚОТ [*а.* إسقاط – олиб ташлаш; йўқ қилиш, соқит қилиш] **1** *дин.* Қилинган гуноҳни ювиш ёки бало-офатни даф этиш ниятида ажратилган пул, нарса. *Ҳожи эшонга тортиқ қилиш учун бир тўп дока, исқот бериш учун юз танга нақд пулни оқсоқол қўлига топширди.* С. Айний, Дохунда.

2 *дин.* Ўлган кишини нариги дунёда тортадиган азобдан қутқариш учун бериладиган пул, нарса. *Абдуражаб қассоб деган важоҳатли чол қазо қилиб, исқот кўтарилганида, пир-эшон ҳазратлари ҳузурида шу чолнинг «гуноҳларини сотиб олиб», бандаи эзгуликдан эътиборли мулкдорлар доирасига аралаша бошлаган экан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Муайян нарса-буюмнинг нархидан ёки оғирлигидан кам миқдорни белгилаш, камайтириш; ана шу камайтирилган нарх ёки оғирлик; сийлов.

ИСҚОТИ 1 Исқот қилинган, исқотга берилган, қўйилган нарса.

2 Шу нарсага нисбатли ҳақорат (сўкиш) ни билдиради. *Атторнинг эшаги шундай ўйлаб қараса.. аттор ҳар куни азонда оғир юк ортади, ўзи ҳам минади, «хи, исқоти!» деб, икки биқинига тепади.* А. Қаҳҳор, Барон фон Ринг. *Пора билан, пул билан чиқиш мумкин эди.. Каминада эса ўша исқотидан йўқ эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ИТ 1 Уй-рўзғорни қўриқлаш, ов овлаш ва ш. к. мақсадлар учун сақланадиган тўрт оёқли сутэмизувчи уй ҳайвони. *Кўппак ит. Ов ити.* ▬ *Катта темир дарвоза остида чўзилиб ётган хирсдай ит бошини кўтариб ириллади.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

2 Шу ҳайвонга нисбатланувчи ҳақоратни билдиради. *Азизбек қаршисида қўл боғлаб турган дарвоза бегига бақирди: -Нега қараб турасан, дарвоза устига чиқ, ким экан у ит?!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Халқ товуши тинимсиз гувуллайди: -Бу ёққа чиқ, итлар!* Ойбек, Танланган асарлар.

Ит эмган *сўк.* Итвачча, итдан тарқаган. *-Бу ёққа кел, ит эмган! — деди мингбоши, қизил кўзларини ола-була қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 *кўчма* Бировнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқаларга зулм ўтказувчи одам; малай. *Мусулмонқулнинг ити бўлмаса, ўзимиздан мингбоши бўларлик одам қуриб қолувдими, дейман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Келинг, шердаргоҳнинг ити, тортинманг, юқорига ўтинг.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Мучал йил ҳисобида ўн биринчи йил номи; сак. *Унинг йили ит.*

Ит йили Мучал йил ҳисобида ўн биринчи йил (*қ.* **мучал**).

Бошига ит кунини солмоқ Роса қийнамоқ, ўта азоб-қийноққа солмоқ. *Улар қишлоқдагиларнинг бошига ит кунини солибди: деҳқонларни қийнабди, ўлдирибди; пахта эксаларинг — ўлдирамиз, деб дўқ урибди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Бўйнидан боғланган ит овга ярамас** Хоҳиши бўлмаган кишини зўрлаганинг билан иш бермайди, деган маънода ишлатиладиган мақол. **Ит азоби** Ниҳоятда қийин, машаққатли ҳолат, аҳвол. *Биласанми сен бу ўзбошимчалигинг билан отангни ит азобига солишингни?* К. Яшин, Ҳамза. [*Ҳожар:*] *Ит азобида кечани кундузга улаб меҳнат қила-қила, энди юрт орасида шер қилдим деганда, обрўни тўкиб қўйсам, қандай кўргилик!* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Ит боқмайди** Назар-эътибордан қолган, эътибор берилмайдиган шахс ёки нарса ҳақида, унга нисбатан қўлланади. *-Бувижон, бувижонга.. ит боқмайди-ю, аммо ўз билганини қилади, — деди кампир буви Пўлатжон акага.* Мирмуҳсин, Умид. **Ит тегди** *ёки* **ит теккан** Нопок, ҳаром бўлди (номусига тегилган аёл ҳақида). *Қай юз билан боқаман унга? Мени кечирармикан? Кечирмас! Ахир менга ит теккан!* С. Аҳмад, Ҳукм. **Ит ҳасратда** *айн.* **ит азоби(да). Итдан суяк қарз** Қарзи жуда кўп, ҳаммадан қарз. **Итининг туваги олтиндан** Жуда ҳам бой, ошиб-тошиб кетган бой. **Итнинг кейинги оёғи** Иш-фаолият ва ш. к. да қатордагилардан (бошқалардан) энг охирда эканликни билдиради. *..бирор ҳунар-пунар ўргансин. Йўқса.. итнинг кейинги оёғи бўлиб қолади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ичини ит таталамоқ** (*ёки* **тирнамоқ, кемирмоқ**) *айн.* **ичини мушук таталамоқ** *қ.* **ич**. Ниҳоятда безовта бўлмоқ, тинчсизланмоқ. *Шу вақтгача шоирнинг ҳаёти учун қўрқиб, ичини ит тирнаётган вазир енгил нафас олиб, жавоб ўрнига бош эгиб қўйди.* М. Осим, Зулмат ичра нур. *Чой ичаётибман-у, хавотирдан ичимни ит таталаяпти.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бироқ ичимни ит кемиряпти.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади** Иши юришмаган, омадсиз киши хақида айтиладиган ибора.

ИТАЛГУ *айн.* **итолғи**.

ИТАЛЬЯН 1 Италия туб аҳолисининг номи.

2 Итальян халқига мансуб. *Итальян тили. Итальян аёли.*

ИТАЛЬЯНЛАР Италиянинг туб аҳолиси, итальян халқи.

ИТАЛЬЯНЧА 1 Итальянларга, уларнинг тили ва маданиятига оид. *Итальянча қўшиқ.*

2 Итальян тили. *Сиз итальянча(ни) биласизми?*

ИТАРМОҚ Ўзидан нари томон сурмоқ ёки суришга ҳаракат қилмоқ. *Столни девор томонга итармоқ. Пиёлани столнинг ўртасига итариб қўймоқ.* ▬ *[Йўлчи] Ички бир жасорат билан эшикни итариб, уй ичига кирганини сезмай қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамлар бир-бирларини итариб, қоқилиб, зўр бўрон билан олдинга югурди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўкрагидан итармоқ Йўлатмай, яқинлаштирмай, қўшмай ҳайдамоқ. *Шундай ёмон кунда биз билан бирга бўлган ҳар қандай одамни қадрлаш керак, кўкрагидан итарсак яхши эмас.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИТБАЛИҚ Сувда ва қуруқда яшовчи (амфибия)ларнинг тухумдан чиққан муртаги. *Қурбақа тухуми уруғлангандан сўнг, ундан итбалиқ чиқади.* «Зоология» дарслиги.

ИТБОЗ Итга ишқибоз, ит боқувчи. *..биласизлар-ку, ўлардек итбозман. Уйдаги итларим билан сувда олишавериб, уста бўлиб кетганман.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

ИТБУРУН Майда қизил нордон мевали бута ва унинг меваси; наъматакнинг бир тури. *Йигирма қадамча чапроқда, қуюқ ит-*

бурун буталари ичида булбул сайрай бошлади. С. Кароматов, Олтин қум.

ИТВАЧЧА 1 Итнинг боласи, итдан туғилган (ёш болага нисбатан қўлланади). *Нуқул итвачча дер эмиш. Астағфирулло, ўз боласини, ўзи туққан болани итвачча деса-я!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шу маъно билан (асосан, ёшларга нисбатан) ҳақорат учун қўлланади. *Шошмай тур, ҳали у иззатини билмаган итвaччани тутиб, адабини бермасам, Мадумар отимни бошқа қўйиб юбораман.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИТВОЙ *с. т.* Ёш шахсга нисбатан маълум даражада эркаловчи муносабатни билдиради. *Эй, итвой, ахир айтяпти-ку, хатни тутнингми, толнингми каллагига қўйсин, деб.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ИТЁҚА: итёқа кўйлак Тўғри, тик ёқаси бўлган кўйлак (яктакка нисбатан). *Калта, итёқа кўйлакнинг устидан энли камар боғлаб, тўппонча тақиб олган қоп-қора.. бир киши сўрига чиқиб, халққа ваъз айтди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар. *Учинчи киши.. итёқа қалин кўйлак сиртидан енгил яктак кийган.* С. Сиёев, Аваз.

ИТИРҚИН(И) *с. т.* Жуда ҳам бетартиб; қаровсиз. *Уй итирқини бўлиб кетибди.* ▬ *Туну зулмат қоришиқ эди. Итирқин ер эди хокисор.* М. Али, Боқий дунё.

ИТЛИК Итга хос хатти-ҳаракат, қилиқ. *Бас, йиғлама, золимлар кўп.. уларнинг шундай номаъқулчиликлари, итликлари бўлиб туради.* Ойбек, Болалик.

ИТМОМ [*а.* إتمام – тамомлаш, якунлаш; тамом бўлиш] *эск. кт.* Сўнг, охир.

Итмомига етмоқ Охирламоқ, тугамоқ. *Бундан сўнг маросим итмомига етиб, Анвар секин-секин орқаси билан юриб, биринчи хонага ва.. даҳлизга чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИТ-МУШУК Бир-бири билан ҳеч чиқишмайдиган, жанжалли муносабатга эга. *Улар бир-бири билан ит-мушук.*

Ит-мушук бўлмоқ Жанжаллашиб ғижиллашмоқ, ит билан мушук каби олишмоқ. *Баъзан бир ота-онадан дунёга келиб, бир-бирига меҳр-оқибатсиз, таъбир жоиз бўлса, «ит-мушук» бўлиб яшовчи ака-ука, опа-сингилларни кўрамиз.* Газетадан.

ИТОАТ [*а.* إطاعت – бўйсуниш] Кимсанинг айтганини қилиш, амрини бажариш, бўйсуниш; тобелик. *Юзидан мулойимлик, эрига итоат, тўғрилик маънолари томиб турган бу хотин – қутидорнинг рафиқаси – Офтоб ойим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Итоат қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Бўйсунмоқ, ҳукмига юрмоқ. *Араббойнинг ёши ўн еттида, гавдаси ҳам каттароқ бўлгани учун, ҳамма болалар унга итоат қиларди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бугундан эътиборан Исфандиёр тўра Хива хонидир. Ҳамма янги хонга сўзсиз итоат қилишга мажбур.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Амрига итоат этмайдиган бир куч шунга мажбур қилди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ИТОАТГЎЙ *айн.* **итоаткор.** *Ўқитувчилар қонунга энг итоатгўй кишилар ҳисобланадилар.* Газетадан.

ИТОАТГЎЙЛИК *айн.* **итоаткорлик.**

ИТОАТКОР Итоат қилувчи, итоатли; кимсага бўйсунувчи, тобе. *Аҳмад Ҳусайн қулдан бадтар ожиз, забун, ҳамиша тақдирга итоаткор, ғирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳайрон қолди.* Ойбек, Нур қидириб.

ИТОАТКОРЛИК Итоат қилиш ҳис-туйғуси, хусусияти. *-Совуқ қотдингми? – Сувонжон унинг елкасига қўл ташлаб, ўзига тортди. Ойсулув итоаткорлик билан Сувонжоннинг кўкрагига бош қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИТОАТКОРОНА Итоаткор ҳолда, итоаткорлик билан. *Пошша хола тез ўгирилиб, ёнида баланд жуссасини итоаткорона эгиб турган Дороббекка кўзи тушди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ИТОАТЛИ Итоат қиладиган, бўйсунадиган. *Итоатли бола.*

ИТОАТСИЗ Итоат қилмайдиган, бўйсунмайдиган. *Итоатсиз бола.*

ИТОБ I [*а.* عتاب – таъна, маломат; қийноқ] Таъна, маломат, танбеҳ. *У.. биринчи итобдаёқ ота-она гуноҳига тавба қилишга ҳозирланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИТОБ II *с. т.* Сургун. *Итоб қилмоқ.*

ИТОБОМУЗ [*а.+ ф.* عتابآمیز – таънага ўхшаш, таъна аралаш] Таънали. *У Кумушдан итобомуз сўз, аччиқ хитоблар кутар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИТОЛҒИ Лочинлар оиласига мансуб, ов қуши сифатида фойдаланиладиган йиртқич қуш. *Қистаса, ўтади итолғи қушдан.* «Гулнорпари».

ИТОҒИЗ Сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб, гули итнинг оғзига ўхшаш бир йиллик ўсимлик ва унинг гули.

ИТПАШША Уй ҳайвонларида бўладиган қонхўр ҳашарот. [*Жўра*] *Отнинг яғринига ёпишган битта итпашшани тутиб, сўка-сўка, этик пошнаси билан эзди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИТСИГЕК *айн.* **болтириқ.**

ИТТЕРБИЙ [*лот.* ytterbium < Швециядаги Иттербю (Ytterby) қишлоғи номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оқиш кулранг металл.

ИТТИК *шв.* Ўткир. *Алим бува оқ, ўсиқ қошлари остидаги ҳали ёш кўринган иттик кўзларини шарққа тикди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИТТИКАНАК Қоқидошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик (тиббиётда ва халқ табобатида кенг қўлланади).

ИТТИФОҚ [*а.* إتّفاق – бир фикрга келиш; битим, шартнома; мослик; тасодиф] **1** *от* Гуруҳ, жамият, синф ёки давлатларнинг бирликда иш олиб бориш учун тузган бирлашмаси; бирлашма, уюшма. *-Ахир, барча темурийлар бирлашиб, иттифоқ тузсалар бўлмасми? – деди Нигор хоним.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *сфт.* Ўзаро яхши муносабатли; иноқ, аҳил. *Иттифоқ оила. Улар бир-бири билан иттифоқ. Иттифоқ бўлмоқ.* ▬ *Кўнгиллари доим ёш бўлсин. Ўзаро дўст, иттифоқ, ҳамдам, Оилага биздек бош бўлсин.* Ҳ. Ғулом, Байрам кечида. *Иттифоқ эл сира кўрмас хўрликни.* «Гулихиромон».

ИТТИФОҚАН *айн.* **иттифоқо.**

ИТТИФОҚДОШ *айн.* **иттифоқчи.** *Барча иттифоқдош давлатлар.*

ИТТИФОҚЛАШМОҚ Иттифоқ, аҳил бўла бормоқ; аҳиллашмоқ, иноқлашмоқ.

ИТТИФОҚЛИК Иноқ, аҳил муносабат. *Оқсоқол.. насиҳатгўйликка ўтди: -Иттифоқ бўлинглар. ҳар бир ишда иттифоқлик яхши.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мамлакатимиз учун иттифоқлик, баҳамжиҳатлик, якдиллик сув ва ҳаводай зарур.* Ойбек, Нур қидириб.

ИТТИФОҚО [*а.* إتّفاقا – тасодифан, ногаҳон] *рвш.* Кутилмаганда, тасодифан, тўсатдан. *Иттифоқо учрашиб қолдик.* ▬ *Иттифоқо, бошқармада иш авж олиб кетган кунларда Қандолатхон ҳафталаб ишга келмади.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар.

ИТТИФОҚЧИ 1 Ҳамкорлик қилувчи, ўзаро иттифоқликда бирга ҳаракат қилувчи; ҳамкор. *Раис учун бўрон яна битта иттифоқчи топилганлиги билан баравар эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бир иттифоқдаги. *Ўзбекистон аҳолисининг моддий турмуш даражаси собиқ иттифоқчи республикаларнинг кўпчилигидагига нисбатан анча яхшидир.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

ИТТИҲОД [*а.* إتّحاد – бирлик, биргалик; бирлашиш, қовушиш] *эск. кт.* Иттифоқ, бирлашма, уюшма. *Туркистон бўйлаб хил-хил жамиятлар, иттиҳодлар туғиляпти.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИТТРИЙ [*лот.* yttrium < Швециядаги Иттербю (Ytterby) қишлоғи номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оқиш кумушранг металл.

ИТУЗУМ Оқ гулли, майда қора ёки қизил мевали бир йиллик ёввойи ўсимлик.

ИТФЕЪЛ Феъли жуда ёмон, жуда ҳам бадфеъл. *Вақфда ҳали ер кўп.. лекин ҳаммаси итфеъл кишиларнинг чангалида.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИТЧИЛИК 1 Ит зотларини боқиш ва кўпайтиришдан иборат хўжалик тармоғи.

2 *айн.* **итлик.**

ИТХОНА Ит турадиган жой, ит учун қурилган хона.

ИТЯЛОҚ *шв.* **1** Итга овқат бериладиган идиш, итнинг туваги. *Ташқаридан итялоққа ўхшаш кир қозонча олиб кириб, ёғ чучита бошлади.* Х. Тўхтабоев, Беш болали йигитча.

2 *сўк.* Шу идишга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Кампир уйда жаврар, қизини қарғар эди: -Э, ўл, итялоқ! Дайди итнинг тумшуғини ёғ қилмай ўл!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИТҚИТМОҚ *шв.* Ирғитмоқ, ирғитиб ташламоқ. [*Бухгалтер*] *Елкасидаги оғир юкни итқитган одамдек, атрофга енгил назар ташлади.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

ИТҚОВУН 1 Палаги ва меваси қовунга ўхшаш ўсимлик, ёввойи қовун.

2 *с. т.* Кавар. *Ғишткўприк ёнбошидаги ҳаммомнинг гумбазларини пўпанак босиб кетган, масжид пештоқидан то ергача осилиб тушган итқовуннинг палаги қуриб қолган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ИФЛОС [*а.* إفلاس – қашшоқлик, нотавонлик; ҳеч нарсаси қолмаганлик; омадсизлик; обрў-эътибори қолмаганлик] **1** Нопок

нарсалар билан булғанган; булғанч. *Ифлос ҳовли. Ифлос ариқ.* ▬ *Отхона ичидан ифлос курак ва супурги кўтариб Жўра чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кир босган; кир, исқирт. [*Ҳаммолларнинг*] *Белида, елкасида.. узуқ-юлуқ арқон, кийимлари жулдур, ифлос.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Ҳар қандай ёмон, қалб ишга юрадиган; нопок. *Ифлос одам.* ▬ *Йўқол, дедим, йўқол, тулки! Колхозимизда сендек ифлосларга нон йўқ!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Шундай одамга нисбатли ҳақоратни билдиради; ярамас, разил, палид. [*Чўпон қозига:*] *Туфу, ифлос! Ҳали сенми шунча хотин билан тағин бировларнинг ҳарамига кўз соладиган?!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

5 Одобдан ташқари; ярамас, ёмон. *У уйнинг у ёғидан бу ёғига бетоқат юриб, ифлос гапларни оғзига тўлдириб сўкинди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ИФЛОСЛАМОҚ Ифлос қилмоқ, булғатмоқ. *Қор эриб, расталарни жуда ифлослаган, ҳамма ёқ пилч-пилч лой, балчиқ, сув.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИФЛОСЛАШМОҚ 1 Ифлос ҳолатли бўлмоқ.

2 Ифлосга хос хусусиятларга эга бўлмоқ, эга бўла бошламоқ.

ИФЛОСЛИК 1 Ифлос ҳолат. *..тоғора ва қозонлар тартибсиз ҳолда ётарлар, қозон теварагида уймалашмоқда бўлган товуқлар бундаги ифлосликни яна бир қат оширмоқда эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ифлос кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат, хусусият. *Унинг қўлидан ҳар қандай ифлослик келади.* ▬ *..бу одатни ҳамиша ваҳшийлик, ифлослик деб билдим.* Газетадан.

ИФО [*а.* إيفاء — бажариш, адо этиш; ваъдага вафо қилиш] *эск. кт.* Бурч ва ваъдани бажариш, адо этиш. *Фосиҳ афанди.. туллаган қошларини ғурур билан чимириб, ўз зиммасига тушган шарафли вазифанинг ифосига бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИФОДА [*а.* إفاده — англатиш, ўргатиш; хабардор қилиш; ифодалаш, баён қилиш; кўрсатма] **1** Билдирувчи, акс эттирувчи нутқ бирлиги: сўз, ибора, гап ва б. *Ўқитувчи қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратига эга бўлмоғи лозим.* Р. Усмонов, Одобнома. *Бу сўз борлиғимнинг, бутун қалбимнинг Ифодаси бўлиб қуйилар тилга.* Зулфия. *Ифода сиқиқлиги шеърда муҳим масалалардандир.* «Ёшлик».

2 Акс эттирувчи ёки мужассамлантирувчи белги, ҳолат, рамз. *Қардош мамлакатлар адабиёти ва санъати декадалари — халқлар дўстлигининг ифодасидир.* ▬ *-Ўзингиз биласиз, — деди Сидиқжон унга маъюс назар ташлаб; унинг бу қарашида чексиз миннатдорчилик ифодаси бор эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Чеҳрасига қалқиб чиққан аламли ифодани яширишга уриниб, бурилиб қаради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Бирор математик боғланишни билдирувчи формула. *Алгебраик ифода. Пифагор теоремасининг математик ифодаси. Ифодани ечмоқ.*

Ифода этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) Сўз, гап ёки бошқа восита билан билдирмоқ, англатмоқ; ифодаламоқ. *Гўё у биргина сўз ва боқиш билан бу уйда ва бу одамлар орасида кечирмоққа мажбур бўлдиғи ҳаётининг бутун оғирлигини ифода қилмоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сидиқжоннинг юзида илжайишга ўхшаган, лекин ҳеч қандай маънони ифода этмаган бир нарса пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИФОДАВИЙ Ифодага оид. *Ифодавий воситалар.*

ИФОДАВИЙЛИК Ифода этиш томони, ифодавий ҳолат-имконият. *Тилнинг ифодавийлиги билан боғлиқ бўлган илмий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар таржимасида ҳам муайян бадиий-ижодий масалаларни ечишга тўғри келади.* Ғ. Саломов, Таржима назарияси.

ИФОДАЛАМОҚ 1 Ўзида акс эттирмоқ, мужассамлантирмоқ, англатмоқ, билдирмоқ. *Унинг мардона очиқ пешонаси, қуюқ эгилмас қошлари чуқур ўйни ифодалар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Олахўжа ўтирган жойида тебранди ва ғирромликни ифодалайдиган бир тарзда кулумсираб, қассобга қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Сўз билан баён қилмоқ, англатмоқ, таъбирламоқ. *Элмурод мактабга етгач, ўз дардини икки оғиз сўз билан ифодалаб, кейин хайрлашмоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Энг муҳими, фактларни қуруқ қайд қилмай, уларни бадиий таъсирли ифодалашдадир.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

3 Математик формула орқали таъбирламоқ.

ИФОДАЛИ Ифодага эга. *Аниқ ифодали. Яхши ифодали.*

Ифодали ўқиш Дона-дона ва таъсирли ўқиш.

ИФОДАЛИЛИК Яхши ифода этишлик, маъно билдиришлик; ифода талабларига мослик. *Ифодалиликка интилиш.. эмоционал бўёқдорлик сўзлашув нутқи учун характерлидир.* «ЎТА».

ИФОДАСИЗ Ифодаси йўқ, ифодаси ноаниқ. *Вужудимни ғалати, ифодасиз бир лоқайдлик, бефарқлик қамраб олган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..заҳил юзи қандайдир ифодасиз, нима ўйлаганини билиб бўлмас эди.* А. Мухтор, Чинор.

ИФОДАЧИ Ифода этувчи, акс эттирувчи. *Депутат — халқ хизматкори, халқ манфаатларининг ифодачисидир.* Газетадан. *Зотан адабиётимиз халқ маънавий уйғонишининг тарихий гувоҳи ва ифодачисидир.* «ЎТА».

ИФОР [*а.* عفار — чанг, тўзон; ҳид] Яхши ҳид, хушбўй; умуман ҳид. *Ҳар бир гулнинг ўз ифори бор.* Газетадан. *Қарқуноқ парвозда япроқдек енгил, Гўёки олдинда қиш эмас, баҳор. Боғларда азалий нафис бир ифор..* А. Мухтор.

ИФОРЛИ Ифор ҳидига ўхшаган ҳидли. *..саф-саф атиргуллар, садарайҳонлар ёз бўйи гуркираб ўсар, теваракка ҳам ҳусн, ҳам ифорли ҳид таратар, ўзгача файз бағишларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ифорли ўтларга кўмилар, тикилиб қолади осмонга.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ИФРОТ [*а.* إفراط — ҳаддан ошиш, ошириш; ортиқчалик; суиистеъмол] *эск. кт.* Ортиқ даражада, ҳаддан зиёд. *Тожиддин Қосим ифрот одоб билан, уялиб-тортиниб, гўё тўйган қўзидай, овқатни суст ея бошлади.* Ойбек, Нур қидириб. *Сиз йигитларингизга кенгаш берингки, улар ифрот май ичмасинлар.* Ойбек, Навоий.

ИФТИРО [*а.* إفتراء — бўҳтон, туҳмат; гап қилиш] *эск. кт.* Бўҳтон, туҳмат. *[Гулнор] Ота-онадан, атрофдаги кўзлардан қўрқар эди.. ҳар хил ғийбат ва ифтиролар тарқалса, одамларнинг бетига қандай қарайди?* Ойбек, Қутлуғ қон. *..бу ҳақда кўп таъналар эшитгани учун қозининг кулгисини ўзига иснод ва ифтиро деб тушунган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..ул ҳаромзода.. фақир бирла падарнинг шаънларимизга бўҳтон ва ифтироларни тўқуб..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ИФТИХОР [*а.* إفتخار — фахрланиш, мақтаниш] **1** Шон-шараф ҳисси; фахр. *Чол ўғлига, унинг тез-тез қимирлаётган қаламига қараб-қараб, жим ўтирар, кўзларида оталик меҳри ва ифтихор сезиларди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

2 Шон-шараф келтирувчи, фахрланса арзийдиган иш, кимса ёки нарса. *Ёшлар — бизнинг ифтихоримиз. Алишер Навоий — маданиятимизнинг ифтихори. Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихоридир.* ▬ *Сени жондан севарман, шону шавкат, ифтихоримсан, Шараф-шон сенга бўлсин, ўзбегимсан, пахтакоримсан.* Воқиф.

Ифтихор қилмоқ Фахрланмоқ. *Сиздай ўғлонларни улғайтирган халқ, Онанинг ҳаққи бор, қилса ифтихор.* Ғ. Ғулом.

ИФТИХОРЛИ Ифтихор қилса арзийдиган, фахрли; ифтихор ифода этадиган.

ИФТОР [*а.* إفطار — нонушта қилиш; рўза очиш] *дин.* **1** Рўза кунлари шом пайтида ўтказиладиган рўзани очиш, оғиз очиш маросими; оғиз очиб овқатланиш. *Ифтор қилмоқ. Ифторга ўтирмоқ.* ▬ *Афанди узун кун рўза тутиб толиққан эди, ифтордан кейин мачитга.. чиқмади.* «Латифалар». *Тоҳир кекса ота-онаси билан ифтор қилмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ифтор вақтида бериладиган зиёфат, меҳмондорчилик. *[Миробид] Урф-одатларни ҳурмат қилади: ҳар йили беш-ўнта кишини.. ифторга чақиради.* В. Ғофуров, Вафодор.

ИФТОРЛИК 1 Ифтор қилиш, шу вақтдаги овқатланиш. *Ифторлик вақтида биз ҳар кун шиннига нонни ботириб уриб, унинг устига майиз, бошқа мева-чеваларни ер эдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Пайғамбаримиз саҳарликда ҳам, ифторликда ҳам жуда кам овқат еганлар.* Газетадан.

2 Ифтор вақтида бериладиган зиёфат, маросим. *..савоб учун ифторликлар ўтказиш ҳам Рамазон ойининг энг яхши фазилатларидан саналади.* Газетадан. *Рўза ойи келиши билан Саид Бурҳон маҳзум.. кечқурунлари.. ифторликка борар эди.* Ғайратий, Довдираш.

ИФФАТ [*а.* عفّت — бокиралик, покизалик; яхши хислат; тийилиш] Виждоний поклик; номус, ҳаё. *У [Азиза] муҳаббатдек соф, қизлик иффатидек беғубор кишилар сафига қўшилади.* С. Аҳмад, Муҳаббатнинг туғилиши. *Уй бурчагида, шоҳи сўзана ёнида, иффат юзасидан юзини яшириб Майна ўтиради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ўзбекнинг хотинлари иффат учун яралган.* «Ёшлик».

ИФФАТЛИ Иффати бор; номусли, ҳаёли. *Ёқутбика — тўранинг хотинлари ичида ор-номусли, ақлли, шарм-ҳаёни билган иффатли хотин эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *-Нима муборак бўлсин?! [деб сўради Отабек]. -Сизга иффатли ва севимли рафиқа билан қутидордек қайната, Ҳасаналига — келин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бошга рўмол ташлаган билан ҳамма иффатли ва маърифатли бўлавермайди.* Газетадан.

ИФФАТСИЗ Иффати йўқ; ҳаёсиз, номуссиз.

ИФШО [*а.* إفشاء — фош этиш, ошкор этиш; (гап)тарқатиш] *эск. кт.* Ошкор, фош қилиш; очиб ташлаш (сирни). *Билмас эрди тоза бу ишқимни, ифшо бўлмаса.* Ҳабибий.

ИХВАТ [*а.* إخوت < اخ — «ака»нинг кўплиги: биродар, қардош, дўст] *эск. кт.* Биродарлик, қардошлик. *Маорифсиз ҳеч бир халқ Дунёда яшай олурми!? Ихват ҳисси кўз очмасдан, Чин ўртоқлаша олурми!?* Ҳамза.

ИХЛОС [*а.* إخلاس — самимийлик, кўнгли очиқлик; берилганлик, мухлислик; эътиқод] Чин юракдан, ишонч билан берилиш; астойдил муҳаббат, меҳр. *Одамларнинг сизга ихлоси баланд.* ▬ *Ёш ишчининг қунт ва ихлос билан изланиши.. ўз самарасини берди.* «Саодат». *Қутидорнинг жавобидан самимият ва ихлос маънолари томиб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ихлос қилмоқ *айн.* **ихлос қўймоқ.** *..сен ихлос қилган домлалар ҳам мен бахтсизга ёрдам бермаганларидан кейин, диёнатдан ҳам кўнглим қолди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Ихлос қўймоқ** Чин юракдан меҳр боғламоқ. *Бобоқул отани бузоқнинг ҳақи бор, деб сут ичмайдиган авлиё санаб, ихлос қўйган эди-ю! Шербек хафа бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Ихлоси қайтмоқ** Ишонч билан берилиши қолмоқ (йўқолмоқ), ҳафсаласи пир бўлмоқ. *Хўжабеков билан касалхонада тўқнашган куни бу кўзларда қўрқоқликни кўриб, Акрамдан ихлоси қайтди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИХЛОСЛИ Ихлос қўйган, ихлоси бор. *Хўжасига ихлосли Ҳасаналининг тажрибали кузатишидан бекнинг махфий дарди узоққа қочолмай, натижада сир очилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИХЛОСМАНД *айн.* **ихлосли.** *Ўз касбига ихлосманд чорвадорлар. Санъат ихлосмандлари.* ▬ *Кўпчилик қишлоқилар менга ихлосманд: баъзилари эшонпочча дейди, баъзилари қори ака дейди, баъзилари мулла ака дейди..* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Туман маданият уйи ёш санъат ихлосмандлари учун очиқ эшиклар куни ўтказди.* Газетадан.

ИХРОЖ [*а.* إخراج — чиқариш, ҳайдаш; сургун, бадарға қилиш; ташкил қилиш] **1** Бирор киши ёки кишиларни шаҳар ёки қишлоқдан, умуман, ўз яшаш жойидан чиқариб юбориш, бадарға қилиш.

2 *бот.* Заҳарли, сутсимон шира чиқарадиган ўт.

3 *айн.* **сурги 1.**

4 Одатда, баҳор пайтида ични тозалаш мақсадида турли кўкатлардан сомса, чучвара каби овқатлар қилиб ейиш.

ИХТИЁР [*а.* إختيار — танлаш, сайлаш; хоҳиш, эрк**] 1** Хоҳиш-истак эрки; эрк, хоҳиш. *Келмоқ ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан.* Мақол. ▬ *Сендан ҳеч сиримни яширмайман. Дастлаб кирган заводимдан ўз ихтиёрим билан кетганим йўқ.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Ихтиёр этмоқ (*ёки* **қилмоқ)** Хоҳламоқ. *-Соғ бўлинг, бек ака, борадиган кунингизни тайин қила оласизми? -Маълумингиз, кечалари бўш бўламан, шунинг билан бирга, отангиз қайси вақтни ихтиёр қилсалар, ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Фойдаланиш, тасарруф ёки идора қилиш ҳуқуқи; изм. *Бу ерлар колхоз ихтиёрида. Директор ихтиёридаги мукофот фонди. Завод ихтиёрида бўлган машиналар.* ▬ *Кўп умр кўришингиз — тақдир қўлида, беқарз яшашингиз — қалбингиз ихтиёрида.* «Тафаккур». *Бизларни.. медицина академиясида бир ярим ой ўқитиб, Москва шаҳар санитария бошқармаси ихтиёрига юборишди.* «Саодат».

ИХТИЁРИЙ Хоҳиш-истак эркига боғлиқ бўлган, кишининг ўз хоҳиши билан қилинадиган ёки қилинган; эркин, кўнгилли. *Ихтиёрий ёрдам.* ▬ *Тил ўрганиш — бу мажбур-қистов, куч ишлатиш йўли билан эмас, ижтимоий зарурат талаби, ихтиёрий майл ҳукми билан бўлади.* «Саодат».

ИХТИЁРИЙЛИК Хоҳиш-ихтиёрга боғлиқлик. *Деҳқонларнинг кооперативларга киришида ихтиёрийлик принципини бузиш ҳоллари йўқотилди.* Газетадан.

ИХТИЁРЛИ-ИХТИЁРСИЗ Истар-истамас. *Кумушбиби ҳам ихтиёрли-ихтиёрсиз бу*

кулгиликка тортилиб, унинг юввошгина илжайишидан ёқутдек лаблари остидаги садаф каби оқ тишлари бир оз кўриниб қўйдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИХТИЁРСИЗ Хоҳиш-ихтиёрдан ташқари; беихтиёр, ғайриихтиёрий. *Ихтиёрсиз ҳаракат.* ▬ *У [Собирахон] нима тўғридадир ўйлар, ихтиёрсиз бўлса керак, аллақандай ҳазин куйни бурни билан куйлаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Ихтиёрсиз қуйилиб келган қайноқ кўз ёшларини Гулнор баъзан зўрға яширар, баъзан яширишдан ожиз қоларди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИХТИЛОЛ [*а.* إختلال − халал топиш, бузилиш; меърий бўлмаган ҳолат; қўзғалиш] *кт.* Исён, қўзғолон, ғалаён.

ИХТИЛОЛЧИ *кт.* Ихтилол қатнашчиси, исёнчи.

ИХТИЛОТ [*а.* إختلاط − аралашиш, қўшилиш; тартибсизлик] *эск. кт.* Аралашиш, қотишиш, борди-келди қилиш.

Ихтилот этмоқ Қўшилмоқ, аралашмоқ. *Эй кўнгил, токим кўрибмен ул паридин илтифот, Ихтилот этмак манга ёқмас бани одам била.* Бобур.

ИХТИЛОФ [*а.* إختلاف − ҳар хиллик, тафовут; ўзгарувчанлик; қарама-қаршилик, келишмовчилик] Қарама-қарши ҳолат; келишмовчилик, зиддият, низо. *Халқаро ихтилофларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш.*

ИХТИЛОФЛИ Қарама-қаршилик, зиддиятлар бўлган; жанжалли, низоли.

ИХТИЛОФЧИ Ихтилоф чиқарувчи, ихтилоф, низо уруғини сочувчи.

ИХТИО- [*юн.* ichthus − балиқ] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, балиққа оидликни, алоқадорликни, балиққа ўхшашликни билдиради.

ИХТИОЗАВР [ихтио.. + *юн.* saura − калтакесак] *зоол.* Мезозой даврида денгизларда яшаган, узунлиги 15 м гача етган балиқсимон, судралиб юрувчи йиртқич махлуқ; денгиз калтакесаги.

ИХТИОЛ [ихтио.. + *лот.* oleum − мой] Таркибида қазилма балиқ қолдиқлари бўлган сланецдан ҳосил қилинадиган ёғсимон қизғиш-қўнғир рангли малҳам дори.

ИХТИОЛОГ Ихтиология мутахассиси.

ИХТИОЛОГИЯ [ихтио.. + *юн.* logos − таълимот] Зоологиянинг балиқларни ўрганувчи бўлими. *Зоология, энтомология.. ихтиология, гидробиология бўйича.. ботаника профилидаги кенгаш эса ботаниканинг барча соҳалари.. бўйича диссертация қабул қиладилар.* «Фан ва турмуш».

ИХТИРО [*а.* إختراع − янгилик; янгилик яратиш, ўйлаб чиқариш] **1** Фан-техника соҳасида кашф этилган, ижобий самара берадиган янгилик, кашфиёт. *Дарвеш Али табобатда ўзининг янги-янги даволаш усуллари ва ихтиролари билан машҳур бўлган.* «Фан ва турмуш». *Балки бу хонада буюк ихтиро Эрталаб кун билан бирга туғилар.* А. Мухтор.

Ихтиро қилмоқ Янгилик яратмоқ, кашф қилмоқ. *Ёшларда шижоат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор.* Газетадан.

ИХТИРОЧИ Ихтиро қилувчи; кашфиётчи. *Ёш рационализаторлар ва ихтирочилар.* ▬ *Ихтирога оид ҳуқуқлар.. ихтирочига патент берилганидагина муҳофаза қилинади.* «ЎзМЭ».

ИХТИРОЧИЛИК Ихтиро қилиш, янгилик очиш, кашф этиш. *Ихтирочиликни ривожлантириш. Ихтирочилик таклифлари.* ▬ *Андижон паровоз депосида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати кенгаймоқда.* И. Аҳмедов, Янгилик яратувчилар.

ИХТИСОС [*а.* إختصاص − иш-вазифа доираси; чуқур билимлардан хабардорлик; ўзига хос хусусият] Илм-фан, техника, санъат соҳаларида ҳар бир мустақил касб; мутахассислик; касбий малака. *Меҳнатга, ихтисос орттиришга, ихтисосларни эгаллашга одмироқ, жўнроқ, соддароқ қарашга ўрганиб қолганмиз.* Газетадан. *Университетни битиргач, у ихтисоси бўйича ишга кирди.* «Ёшлик». *Кичкина Каримов оддий маъмурий ходимликдан ўз ихтисосини ошириш орқасида яқинда терговчиликка кўтарилди.* С. Абдулла, Куёвлар, келинлар.

ИХТИСОСЛАШМОҚ Бирор ихтисосга мансуб бўлмоқ; унга мослашмоқ. *Ихтисослашган саноат тармоқлари.* ▬ *Шарқшунослик фанига ихтисослашган илмий ташкилотлар Европа ва Американинг деярли барча илмий марказларида фаолият кўрсатиб турибди.* Газетадан. *Хонқа туманидаги шоличиликка ихтисослашган хўжаликда аллома хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатилди.* Газетадан.

ИХТИСОСЛИ Илм-фан, техника ёки саноатнинг маълум бир соҳаси бўйича их-

тисос олган, билим-малака ҳосил этган; ихтисосга оид. *Ихтисосли кадрлар.* ▬ *..фуқаролар ўз шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш мақсадида адвокатдан малакали, ихтисосли ёрдам олиш имкониятига эга бўладиган шарт-шароит..* Газетадан.

ИХТИСОСЛИК *айн.* **мутахассислик.** *«Целлюлоза маҳсулотлари технологияси» ихтисослиги Академиянинг Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан уйғунлашса бўлади.* Газетадан. *Турли ихтисосликлар бўйича ўтказилаётган касб маҳорати танловлари ҳам [кадр тайёрлашда] муҳим ўрин эгаллайди.* «Фан ва турмуш».

ИХЧАМ 1 Тузилиши, бичими келишган, бежирим, йиғноқ ва қулай; *зид.* **қўпол.** *Ихчам машина.* ▬ *Унинг ихчам кетмони офтобда ялтирарди.* Ж. Шарипов, Саодат. *[Мирзакаримбой] Супадан тушиб, кечагина сотиб олингандай ярқираган, чиройли, ихчам «содиқий кавуш»ни оёқларига илди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Олимхон.. ҳар вақт яхшигина, ихчамгина кийинади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сиқиқ ифодали. *Ихчам хат. Фикрни ихчам баён қилмоқ.* ▬ *Латифа, лоф, аския.. жанрлари янги воқеликни ўзига хос ихчам шаклда акс эттиради.* «ЎТА».

ИХЧАМЛАМОҚ Ихчам қилмоқ, сиқиқ, йиғноқ ва қулай ҳолга келтирмоқ. *Аппаратни ихчамламоқ.*

ИХЧАМЛАШМОҚ 1 Ихчам ҳолга келмоқ.

2 Кичрайиб хипчалашмоқ (гавда, жусса ҳақида).

ИХЧАМЛИК Ихчам ҳолат. *Ҳозирги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда қандайдир қулайлик, гўзаллик, ихчамликни сезамиз.* «Саодат».

ИЧ 1 Ички бўшлиқ; *зид.* **таш.** *Чодирнинг ичи. Оғизнинг ичи.* ▬ *Офтоб билан тўлган кенг деразали уйнинг ичи ойдин.* С. Айний, Қуллар.

2 Нарсаларнинг буюм элтадиган қисми; *зид.* **сирт.** *Ариқнинг ичи. Қопнинг ичи. Бош ёрилса, бўрк ичида.* Мақол. ▬ *Сумкасини титкилаб, ичидан икки-уч хил дори олди, уларни уста Баҳромга бериб, қачон, қандай ичишни тайинлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Нарсанинг ички қисми, ораси. *Ноннинг ичи. Хамирнинг ичи. Тарвузнинг ичи. Ичи қуртлаган олма. Қопдаги буғдойнинг ичи.*

4 Ошқозон, қорин, меъда. *Кўзинг оғриса — қўлингни тий, ичинг оғриса — нафсингни тий.* Мақол. ▬ *Жонфиғон бюллетень олгани докторнинг олдига чилимнинг сувини ичиб, лоҳас бўлиб кирган экан, доктор ичини чайқабди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

5 *кўчма* Кишининг ички, руҳий дунёси; кўнгил, юрак, дил, қалб. *Ота ичидан ўтганини ўзи билади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *-Тўғри, Ўктам менга ёқади. Бироқ ҳаммадан бурун одамнинг ичи керак, — деди Комила.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Элмурод унинг ҳаракатларига беихтиёр разм солиб ўтирди. Назарида, соқоли хийла оқариб қолган бу одамнинг важоҳати заҳарли, ичини қандайдир алам ўртаган кўринди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Эгалик ва макон келишиклари шаклида (**ичига, ичида, ичидан**) кўм. взф. *Ҳафта ичида. Уй ичидан ғалати овоз эшитилди.*

Ичи ачимоқ (*ёки* **куймоқ**) Хафа бўлмоқ; ачиниб куймоқ. *Элчиевнинг, қизига ичи ачирди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Ён-верида уларнинг мунозарасини чўчиброқ кузатиб турган деҳқонларнинг юзида Авазга хайрихоҳлик кўриб, ичи куйди, баттар ғижинди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ичи пишмоқ** (*ёки* **қизимоқ**) 1) зерикмоқ. *Уйда ўтиравериб, ичим пишди;* 2) тоқати тоқ бўлмоқ. *Баъзи бировлар ичи пишиб, гоҳ йўлга қарашади, гоҳ тоққа чиқиб қилинадиган ишларни ўзларича чўтлашади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ич-ичидан** Юракдан, қалбдан, чин дилдан. *Ич-ичидан севинмоқ. Ич-ичидан таҳсин ўқимоқ.* ▬ *Уларни кузатиб ўтирган Сунбулхон ая ич-ичидан қувонарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Асрор эса ич-ичидан ғижиниб, асабийлашарди.* «Ёшлик». **Ичи қора** Дили бузуқ, бировнинг бахт-қувончини кўролмайдиган; ҳасадгўй. *Яхши, ўша Ҳомидни сен қандай одам, деб ўйлайсан? [деб сўради Юсуфбек ҳожи]. -Қўланса сўзли, ичи қорароқ бир йигит эди, — деди Ҳасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ич(и)га ютмоқ** Ошкор этмаслик, ўзида сақламоқ (гап, сўз ва ш. к. ни). *Азизим, эй жафокаш халқ, бардошингга минг таҳсин, Чиқармай ичга ютдинг, кўздаги ёшингга минг таҳсин.* Воқиф. **Ичидан пишган** Сирини ҳеч кимга билдирмайдиган, ўз ишига пишиқ; қув. *Унинг ҳаракати ва товланишидан ичидан пишган, уддабуро экани дарров сезилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Ичини бўшатмоқ**

Кўнглидагини айтиб, руҳан енгилланиб олмоқ. *Унинг гапирмаганига Жуман аламда қолди.. Аччиқ ҳақиқатни юзига солиб, рўй-рост сўка қолмайдими? Қизиғида Жуман ҳам ичини бўшатиб оларди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Ичини мушук (***ёки* **ит) таталамоқ** (*ёки* **тирнамоқ**) Руҳан безовталанмоқ; кўнгли нотинч, ғаш, безовта бўлмоқ. *Бу пайт Саидғозида ҳам Хўжабековга ачингудек ҳол қолмаганди: ичини мушук таталарди. Аммо сирини бой бермади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Уй ичи** Оила аъзолари; оила, хонадон. *Уй ичингиз омонлик, бир гап бўлса, Ўтар бобом хабар берар экан.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қанча меҳнат, қанча машаққат! Ёлғиз ўзи эмас, бутун уй ичи билан ишлаган, албатта.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЧАК 1 *анат.* Турли шакл ва ҳажмдаги ичаклар (*қ.*)нинг умумий номи. *Ингичка ичак. Йўғон ичак. Аччиқ ичак. Тўғри ичак.* ▬ *Тупроққа қоришган каллалар, узилган қўллар, ерда чўзилган олачипор ичакларни кўраркан, унинг кўзлари қинидан чиқаёзди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Аччиқ ичакдай чўзилмоқ Жуда чўзмоқ (чўзилмоқ). *Гапни аччиқ ичакдай чўзиб ўтирмайман.* Газетадан. *Лўлилар бригадаси аъзолари билан ўтказилган суҳбат ўша куни аччиқ ичакдек чўзилиб кетди.* Н. Сафаров, Лўлилар. **Ичаги узилмоқ** *ёки* **ичагини узмоқ** 1) ҳолдан тоймоқ (тойдирмоқ). *..қизиқ-қизиқ латифаларни шундай кўп биладики, кулавериб ичагинг узилади.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Ёнимдаги кишининг турган-битгани латифа экан. Кулдираверib, ичагимни узаёзди.* «Муштум»; 2) жуда оч қолмоқ. -*Чарчагандирсан, қўзичоғим. Ичагинг узилиб кетгандир. Бўлди қила қол,* — *деб зорланди она.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Ичак узди** Жуда қаттиқ кулдирадиган. *Оқшом Абдураҳим монтёр яна келди. Бу маҳал дўконда устанинг ичак узди аскияларига ишқибоз.. жўралар бор эди.* Газетадан. *Авазнинг эски қадрдони, асли зотини ҳам, ёшини ҳам аниқлаб бўлмайдиган Ҳасан қайғичи хон амалдори ҳақида ичак узди ҳангомалар айтарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *с. т.* Резинка ёки брезентдан ясалган трубка, шланг. *Икки эпчил йигит бочкани салқинга олиб, резинка ичак билан косаларга пиво қуя бошлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ишчилар узун резинка ичакни у ёқдан-бу ёққа судраб, чанқаб қолган гулларга, чанг ўтира бошлаган дарахт баргларига сув сепишарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИЧАКЛАР Одамлар ва ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш системасининг меъдадан бошланиб, орқа чиқарув тешиги (дурвоза) билан тугайдиган қисми.

ИЧАК-ЧОВОҚ 1 Одам, ҳайвон ва қушларнинг қоринда жойлашган ички қисмлари, мас., ошқозон, ичаклар. *Ичак-човоқ гўшт бўлмас, Лаганбардор дўст бўлмас.* ▬ *Бомбардимонда ичак-човоғи чиқиб кетган бир гўдак унинг қўлида жон берган экан.* А. Мухтор, Туғилиш. *Арава бўлса, пастликлардан чиқиб, тушиб, одамнинг ичак-човоқларини чайқаб юборди.* Ойдин, Фонарь тагида.

2 *кўчма* Баъзи нарсаларнинг (машина, механизм ва ш. к.) ички қисмлари. *Бир тракторнинг қорни ёрилиб, ичак-човоқлари сочилиб ётибди.* «Муштум». *Ҳайдашни билган билан ичак-човоғини тушунмайман.* С. Нуров, Нарвон.

ИЧАҒОН *с. т.* Жуда ичадиган, кўп ичадиган. *Хонанинг ичи тамаки ва ароқ исига тўлиб кетибди. Нуқул ичағонларнинг орасига тушиб қолганимни фаҳмладим.* «Муштум».

ИЧ-БАҒИР *қ.* **юрак-бағир.** *Унинг вужудини чирмаб олган ҳис Ич-бағрини қилмоқда қийма ва қийма.* Ж. Жабборов.

ИЧБУРУҒ *с. т.* Йўғон ичакнинг яллиғланишидан иборат оғир юқумли касаллик; юракбуруғ, дизентерия. *Ичбуруғ Ўрта Осиё шароитида ёз мавсумида кўпроқ учрайдиган юқумли ичак касаллигидир.* «Фан ва турмуш».

ИЧГУЛИК Ичса бўладиган, ичишга яроқли; ичимли. *Уйда ичгулик сув ҳам йўқ.*

ИЧДАН 1 Ич с. нинг ч. к. *Ичдан кийиладиган кийим.*

2 Ташқи ифодасиз; дилдан. *У [Меъмор] азонгача худога ёлвориб, ичдан йиғлади, тунда, қурилаётган мадрасаси атрофини айланди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИЧИДА 1 *рвш.* Товуш чиқармай; дилда, кўнгилда. *Ҳакимбойвачча диққат билан ичида ўқир экан, юзига табассум ёйилди.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Ичимда «тилинг бошингни есин!» десам ҳам, ташимда ҳурмат билан кутар эдим,* — *деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўм. взф.* Қуршовида, орасида; давомида, мобайнида каби грамматик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. -*Сен*

аҳмоқсан, Гулшан опа! — дер эди Қумри, — эрингни ёлғиз ташлаб, биз бўйдоқлар ичида нима маъни топасан?! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Пастқам уйларнинг қамиш ва ёғоч бўғотлари туман ичида, оқшом маҳалдаги кўланкадай, баҳайбат кўринарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Элмурод.. шу бир ҳафта ичида қилган барча ишларини бир-бир хаёлидан ўтказди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЧИКИШ 1 Ичикмоқ фл. ҳар. н.

2 *с. т.* Ота-онани соғиниш натижасида болаларда рўй берадиган касаллик ҳолати.

ИЧИКМОҚ 1 Кучли даражада кўришиш, етишиш иштиёқида бўлмоқ, муштоқ бўлмоқ. *..тушида ҳам, ўнгида ҳам Шодасойни кўриб, ёлғиз ичикиб ўтирган Шарофат хола ўғлининг юзига қарамади ҳам..* А. Мухтор, Чинор. *Оймнинг ишлари шунақа. Жўжалардан бирпас ажралсалар, ичикиб қоладилар.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *-Кўп ичикмай тур, хотин. ҳали-замон чўзилиб кириб ҳам келар, — деди Холмирза.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 Ота-онани соғиниб касал бўлмоқ (болалар ҳақида). *Туйнукка қараб чақирсак, отамиз келар экан, деб ўчоқнинг мўрисига бош суқиб чақиришадиган бўлишибди. Қўйингчи, иккови ҳам ичикиб, озиб-тўзиб, ҳалок бўлибди-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЧИМЛИ Ичиладиган, ичишга яроқли. *Қалъа атрофидаги қудуқларнинг суви ичимли.* Газетадан.

ИЧИМЛИК Ичиладиган нарсалар (мас., шарбат, сув). *Спиртли ичимликлар. Чанқовбосди ичимликлар.* ▬ *Еймлигу ичимлик тўла Нозу неъмат дастурхонида.* Э. Раҳим. *Солиқчилар унинг ичимликлар тўла автомашинасини ҳам ўраб олдилар.* Газетадан.

ИЧИН-ТАШИН 1 Ичкари ва ташқаридан иборат. *Ичин-ташин ҳовли.* ▬ *Гузарнинг икки тарафини чойхона, кичкина бостирмага жойлашган кооператив ва узун чўзилиб кетган ичин-ташин данғиллама иморат ўраб олган.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Ички ва устки. *Ичин-ташин кийим.*

ИЧИШЛИ Ичишга боп, маза қилиб ичиладиган. *Ичишли шўрва.* ▬ *Ҳақиқатан ҳам кампирнинг сути талашишга арзийдиган қуюқ, ичишли эди.* Ойдин, Гулсанам.

ИЧКАРИ 1 Хона, ҳовли, қалъа ва ш. к. нинг ички қисми, ички томони; *зид.* **ташқари**. *Ҳамдамформа, маълум бир ҳовлининг орқасига ўтиб, ўзига таниш бўлган бир деразадан ичкарига қаради.* С. Айний, Қуллар. *Биронта таниш кўринмагач, ўзи ичкарига кирмоқчи бўлган эди, қоровул уни тўхтатди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Овоз энди ичкаридан эмас, ташқаридан эшитилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Рулда кексароқ киши ўтирар, ичкарида уч-тўртта аёл бор эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Маълум жой, майдон, ҳудуд ва ш. к. нинг бошланишдан ўрта қисми, марказ томони: ич қисм, ич томон. *Шаҳар ичкариси. Мамлакат ичкариси. Боғнинг ичкариси.* ▬ *Беҳисоб йўллар чўл ичкарисига тармоқланиб кетган.* «Ўзбекистон қўриқлари». *-Ҳў анови нашватини қаранг, ўғлим, — деди у, девордан анча ичкарида меваларининг кунгай томонлари қизариб турган нашвати дарахтига имо қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *этн.* Ҳовлининг ташқи ҳовлидан девор билан ажратилган, аёллар ва болалар турадиган қисми; ички ҳовли. *Марямхон ўн тўққиз ёшида, бундан саккиз-тўққиз йил илгари бу уйга, мусулмон «ичкарисига» қамалган.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ич томонда жойлашган; ички. *Доя келгандан сўнг, ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Саодатхон Латофатни.. мулойимлик билан ичкари уйга таклиф қилди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ичкари дарвозанинг чап ёнидан тоза кўрай, деб Оққиз ўтди.* «Эрали ва Шерали». *Ичкари ҳовлида кекса Меъмор атрофида қизи ва хотини шумшайиб ўтиришарди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИЧКАРИЛАМОҚ Ичкари томон йўналмоқ, кирмоқ. *Қисм ҳам, батальон ҳам душман мудофаасини ёриб, ичкарилаб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Мен ҳам қамчини Тарлоннинг боши узра ҳаволатиб, ичкариладим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ИЧКАРИЛИК Марказга, катта кўчага нисбатан анча ичкарида бўлган ер, жой. *Анчагина ичкариликда бўлган ҳовлидан хотинларнинг шовқин-сурони.. қий-чув товушлар янграйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу уй Каримовга шунинг учун ёқиб қолганки, у гузардан узоқ ҳам эмас, жуда яқин ҳам эмас, кўча юзи ҳам эмас, жуда ичкарилик ҳам эмас.* Ҳ. Шамс, Душман.

ИЧКЕТАР Меъда-ичакларда, асосан, овқат ҳазм бўлиши ва сўрилишининг бузи-

лиши натижасида келиб чиқадиган, турли хил клиник кўринишлар билан юзага келадиган патологик ҳолат. *Бош врач ҳар қандай касални ҳам ичкетарга йўйиб қўя қолади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ИЧКИ 1 Ич қисмда, ичкарида жойлашган; ичкариги, ичкаридаги. *Ички ҳовли. Ички эшик.* ▬ *Ойқиз Олимжондан келган хатни.. нимчасининг ички чўнтагига яширди-да, дарров ўрнидан турди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Ички аъзолар Одамлар ва ҳайвонлар гавда (тана)сининг ички бўшлиқларида жойлашган ва ўзига хос бир ёки бир неча вазифа бажарувчи аъзолар. **Ички касалликлар** 1) ички аъзолар касалликларининг умумий номи; 2) клиник тиббиётнинг ички аъзолар касалликларининг келиб чиқиши, патогенези ва клиник кўринишларини, уларнинг диагнозларини аниқлашнинг, даволаш ҳамда профилактикасининг методларини ўрганувчи соҳаси. **Ички кийимлар** Очиқ баданни ёпиб туриш, тер ва б. ажралмаларни шимиб олиш ва ш. к. учун хизмат қиладиган, бадан билан ташқи энгиллар оралиғида фойдаланиладиган (кийиладиган) гигиеник кийимлар.

2 Ич қисм (томон)га оид; *зид.* **ташқи.** *Журналнинг ташқи ва ички безалиши изчил такомиллаштириб борилмоғи керак.* Газетадан. *Бинонинг ички пардози ҳали унча битмагани.. учун чойхона ҳали бу ерга кўчмаган, бино ҳозирча клуб вазифасини ўтаб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Мамлакат, давлат, ташкилот ва ш. к. нинг ўз ичида ва ўз иши билан боғлиқ бўлган. *Давлатнинг ички ишлари. Ички имкониятлар. Ички низолар. Ички ва халқаро ҳаётга оид масалалар.*

4 Кишининг руҳий дунёсига, кечинмаларига оид. *Унинг.. оқиш юзи ички кечинмаларини узлуксиз акс эттирарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Кишининг ички ҳиссиётини юзидаги ўзгаришлардан тезда пайқаб олувчи Исломхўжа қизидаги алам-изтиробнинг изларини дарҳол сезди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Аравакашнинг ички ҳолатини сезиб турган Бадиа чидаб туролмай, дарҳол отасини туртди: -Сув берайми, ота?* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 (-**лар** қўшимчаси билан) *тар.* Темурийлар, бобурийлар ва шайбонийлар салтанатида ҳукмдор саройида хизмат қилувчи навкарлар, хос қўшинлар; ҳукмдорга яқин мулозим ва беклар. *Шайбонийхон кўшкнинг юқориги қаватида.. пешин намозини ўқиб бўлган ҳам эдики, ясовул кириб, Султон Али Мирзо бир неча ичкилари билан қалъадан хон хузурига келганини айтди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ИЧКИЛИК 1 Кайф берадиган ичимлик, спиртли ичимлик. *Тантибойвачча кечаги базм ва ичкилик кайфини бутун кун чўзилган уйқу билан тиниқтириб, қўрғон эшигидан боғ ташқарисига чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кайф қилувчи ичимлик билан машғуллик, ичкилик ичиш; ичкиликбозлик. *Ҳар куни меҳмон, ҳар куни ташқарида ичкилик, шовқин-сурон билан вақт кечиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЧКИЛИКБОЗ Доим ичиб юрадиган, ичкиликка берилган; майхўр. *Орамизда ичкиликбозларга, безориларга ўрин йўқ.*

ИЧКИЛИКБОЗЛИК Ичкилик билан машғуллик, ичкиликка берилиш. *Яқинда Ўзбекистон телевидениеси орқали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик асоратларини фош этувчи кўрсатув намойиш қилинди.* Газетадан.

ИЧКИЛИКХЎР *айн.* **ичкиликбоз.** *Назирбой Полёзҳожидан ёш эди. Полёзҳожи оғир бўлса, у енгил табиат, кўп ичкиликхўр, мақтанчоқ киши эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИЧКИЛИКХЎРЛИК *айн.* **ичкиликбозлик.**

ИЧКИ-ТАШҚИ *айн.* **ичин-ташин**. *Ички-ташқи ҳовлилик шундай катта эшикда икковимиз ҳувиллаб ўтирсак, еганим татийдими? Йўқ татимайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЧКУЁВ *этн.* Келиннинг ота-онасига тегишли ҳовлида улар билан бирга яшовчи куёв. *Агар худо Гулнорнинг бахтини очса, бирор қобил йигит топиб, ичкуёв қилиш ниятидаман.* С. Айний, Дохунда.

ИЧКУЯР *кам қўлл.* Жонкуяр, ғамхўр. *Ёшлигимда етимлик билан ўсдим, Менда ҳеч йўқ эди ичкуяр дўстим.* «Элат ботир».

ИЧМОҚ 1 Суюқликни ҳўплаб ёки шимириб ичга ютмоқ, тановул қилмоқ. *Айрон ичмоқ. Сут ичмоқ. Ош ичмоқ.* ▬ *Ғуломжон ҳам алам, ҳам қувонч билан булоққа қайтиб келди, сув ичмоқчи эди.* М. Исмоилий, Фар-

ғона т. о. *Пахта теримига ҳашарчи бўлиб келган мактаб ўқувчилари зўр иштаҳа билан хўрдани ичдилар.* Ж. Шарипов, Саодат.

2 Спиртли ичимлик истеъмол қилмоқ. *У ичмаса юролмайди.* ▬ *Ичмайдиган, чекмайдиган ёшларга олий ўқув юртларида, ишхоналарда алоҳида имтиёзлар яратилса, бошимиз устидаги тутунлар сал камаярмиди..* Газетадан.

Сув қилиб ичмоқ *ёки* **сувдек ичмоқ** 1) ҳеч бир тортинмай, боплаб гапирмоқ, гапиравермоқ (ёлғон гап, қасам ҳақида). *Ёлғонни сув қилиб ичасан-да.. Лофчилигинг қолмабди.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) тўла ўзлаштирмоқ, ёд қилиб юбормоқ. *..хатми қуръон, чилёсинларни ҳам сув қилиб ичиб юборганмиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Қасам** (*ёки* **онт**) **ичмоқ** *қ.* **қасам.**

ИЧОҒРИҚ Халқ табобатида табиати ҳар хил оғриқлар билан кечадиган, асосан меъда ва ичакларга оид касалликлар, юқумли ва б. турли хил дардларнинг умумий номи.

ИЧРА *кўм.* (*б. к. билан*) *поэт.* Орасида, ичида. *Қурамиз янги дунёни жаҳон ичра.* Ҳамза. *Ёвни кўрсанг, шер сингари юриш қил.. майдон ичра уруш қил.* Фозил шоир.

ИЧСУРИШ Ични тозалаш мақсадида сурги дори ичиб, ихтиёрий ич сурдириш ёки бирор ёқимсиз, сифатсиз овқат истеъмол қилиш оқибатида беихтиёр ич кетиши.

ИЧТЕРЛАМА Ичтерлама микроби (таёқчаси) келтириб чиқарадиган ичак касалликларига мансуб, иситма, ич бузилиши, тошма тошиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик.

ИЧУВЧИ Мунтазам тарзда ичадиган, ичкиликка берилган; ичкиликбоз. *Қоровул Қадамбек пиёниста бўлсаям, сергак, лекин бари бир.. ичувчига ишониб бўладими!* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ИЧҚОТИШ *қ.* **қабзият.**

ИЧ-ЭТ: ич-этини емоқ (*ёки* **кемирмоқ**) Ниҳоятда руҳий азоб бермоқ; қаттиқ азобланмоқ. *Шавкат милиционернинг гапларини деярли эшитмас, ич-этини ташвиш кемирар эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ИШ I **1** Инсон фаолияти билан боғлиқ, унинг меҳнати билан амалга ошадиган, бажариладиган нарса. *Далада иш кўп. Борйўғи бир кунлик иш қолди. Ишлайман деганга иш топилади. Хайрли иш. Машаққатли иш.* ▬ *Ишлай десам — иш бўлмаса, деҳқончилик қилай десам — ер бўлмаса.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Йўлчи ишга разм солиб, қайдан бошлаш кераклигини ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳай Адол, қиз болаларни фронтга олмас эмиш. -Қизларни ҳам олаверса, даладаги иш кимга қолади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ишнинг ижроси, иш устидаги фаолият, меҳнат. *Ишдан қолдирмоқ. Ишга киришмоқ. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.* Мақол. *Қари келса — ошга, ёш келса — ишга.* Мақол. ▬ *Улар меъморга кўзлари тушиши билан, бир дақиқа ишни тўхтатиб, бош ирғаб салом беришди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Устахона дарвозасидан киришимиз биланоқ цехларда иш қайнаётганлигининг гувоҳи бўламиз.* Газетадан. *Қурбон ота ҳеч кимнинг эсига келмаган бир яхши ишни бошладилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Иш-фаолиятнинг маҳсули, ундан юзага келган (яратилган) нарса. *Рассомнинг кўргазмага қўйган ишлари. У яратган ишлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.* ▬ *Йўлчининг бажарган ишига кўз югуртириб, ўзича ўйлади: «Девкор йигит экан».* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ишинг бирор олимнинг қўлига тушиб қолса борми, диссертация ёқларди.* Т. Ашуров, Оқ от.

4 Маълум ҳақ, эваз ҳисобига қилинадиган иш-фаолият, меҳнат. *Бечора иш қидириб, боши оққан томонга борар экан.* Ойбек, Нур қидириб. *Тошкентда иш топсам, балки қоларман.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Хизмат вазифаси; лавозим. *Ишга кирмоқ. Шу ишда ишлаб келяпти.* ▬ *Сизни бўшатишадими, йўқми — сизни бу ишга ким тайинлаган бўлса, ўшандан сўранг!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бу гап корхонага овоза бўлиб, Жонфиғонни ўша замониёқ ишдан ҳайдашибди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Дадамни илгари катта-катта ишларда ишлаган дейишади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

6 *с. т.* Бўш иш ўрни. *Кўп жойга учрадим, лекин «иш йўқ» деган жавоб олдим.*

7 Меҳнат-фаолиятнинг муайян соҳаси, тури; касб. *Ҳаётда шундай одамлар бўладики, улар бутун умрларини фақат бир ишга, бирон касбга бағишлаган бўладилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Худо кўнглингизга солиб, шу ишни [сартарошликни] ихтиёр қилибсиз — кам бўлмайсиз.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

8 Бурч. *Озодаликка доимий эътиборда бўлиш — барчанинг иши.* ▬ *[Элликбоши:] Маҳалладаги йигитларнинг бари манга маълум.. Билиш менинг ишим-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 Ҳал этилиши лозим бўлган нарса; масала, муаммо. *Ишнинг енгил кўчишига севинган она Отабекнинг бу шартига лом демасдан кўнди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ясовулбоши хон иккаласигина тушунадиган тилда ишни пишириб қўйган эди, шунинг учунми, муртини силаб кулди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..айниқса, кундошлик иши қийин, коса косага текканда, ғиди-биди гаплар кўпайса.. ўғлингга ҳам татимай қоладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 Ўзгага, ўзга манфаатига қарашли юмуш; ҳожат. *Кел, қўзим, нима ишинг бор?* Ойбек, Танланган асарлар. *Юрт ишига ярамаган бола қай ишга ярайди?* С. Аҳмад, Уфқ.

11 Хос иш, хатти-ҳаракат. *Олдига қўйганни емак — ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демак — нодоннинг иши. Ваъдага вафо — марднинг иши.* ▬ *Аваз, йигитнинг иши таваккал, деб чап томонга бурилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

12 Воқеа, ҳодиса. *Ўз уйида ўтирган қиз бир кечада ғойиб бўлсин, тавба! Жуда хунук иш, Олимхон ака?* Ойбек, Танланган асарлар. *Низомжон унинг авзойидан жуда хунук иш бўлганини фаҳмлади-да, ёнига ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бошинг соғ бўлса, ҳали Тошкентда кўп ажойиб ишларни кўрасан, йигитча!* Ойбек, Танланган асарлар.

13 Аҳвол, ҳолат. *Ҳозир иш бошқа: Йўлчи қамоқда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хўш, Содиқ полвон, ишлар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар ерда деҳқоннинг иши чатоқ. Ери бўлса, улови йўқ, улови бўлса, ери йўқ, кўпида иккиси ҳам йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

14 Гап-сўз, гап-сўз бўлган нарса(лар). *Нега десанг, мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, бу иккинчи уйланишга Отабек бутунлай қарши бўлиб, фақат бу гап қудаларнинггина ишларидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

15 *ҳуқ.* Суд ёки маъмурий органларда кўриладиган нарса, жараён. *Фотима устидан жиноий иш қўзғатилди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Шу телефон сабаб бўлдими.. бир-икки кундан кейин ишим бошқа терговчига ўтиб, тезлашиб кетди.* О. Ёқубов, Излайман. *Ер тўғрисида бир чатоқ одам билан судлашиб юрган эди, суд ишни бунинг зарарига ҳукм қилганмикан, деб ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бошига иш тушмоқ Кимса учун нохуш, ташвишли ҳол юз бермоқ. *Бошимга иш тушди. Фарзандим Низомиддин қатл этилди..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Бўлар иш бўлди** Юз берган иш-ҳодиса оқибатини тузатиб, ўнглаб бўлмаслигини қайд этади. *Нимани гаплашаман! Бўлар иш бўлган-ку! Мен унинг юзига қаролмайман энди.* К. Яшин, Ҳамза. **Дунёнинг иш(лар)и** Кишига боғлиқ бўлмаган, киши ихтиёридан ташқари иш(лар). *Дунёнинг ишлари шунақа тескари экан, боши-охири йўқ.* **Иш бермоқ** 1) асқатмоқ, кунга (эҳтиёжга) ярамоқ. *Уни машиналар билан ковлаб бўлмайди, фақат кетмон, белкуракларгина иш бериши мумкин.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Аммо тоққа чиқишда Бобурнинг ўсмирлиги жуда иш берди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 2) хизмат қилмоқ. *..Ёрматгами ё бошқа бир собиқ қаролга узоқ иш бериб ийиғи чиққан, пешонаси қийшиқ этикни кийди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Иш битмайди** Мақсадга эришиб бўлмайди, натижа чиқмайди. *Ҳа, колхозга киргандан кейин унча-мунча ваъз айтишни ҳам билиш керак бўлади, бусиз иш битмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Урушнинг оти ўчсин, уруш бўлмасин, дейиш билан иш битмайди.* Газетадан. **Иш катта** Бирор иш-нарсанинг ҳажм, даража ва б. эътибори билан меъёридан ортиқ, зўр ҳолатини қайд этади. *Ишлар катта-ку, уста! Дўконларни ҳам қуриб юборибсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эҳҳе, иш катта-ку. Омад тилайман..* Ойбек, Танланган асарлар. **Иш кўрган** Ҳаёт, иш (амал) тажрибаси катта, кўпни кўрган, кўп воқеа-ҳодисалар, қийинчиликларни бошидан кечирган. *Қўшин ичида энг иш кўрган, қилич чопган баҳодирларни саралаб, қоровул тузиб, буни Шайх Темурга, Зуннун Арғунбекка топширди.* Ойбек, Навоий. *Мирзо саройидан бизга етиб келган маълумотлар шуни кўрсатадики, фарғоналиклар биздан кам, иш кўрган сарбозлари оз, кишилари қўрқувда..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Иш кўрмоқ** 1) муайян йўл билан иш олиб бормоқ; иш тутмоқ. *Унинг ёр-дўстлари беҳисоб, ўйлаб иш кўриш лозим, ҳазратим.* К. Яшин, Ҳамза. *Мухбирликда ҳам ошначилик, қўшничилик билан иш кўриладими?* «Гулдаста»; 2) ишни амалга оширмоқ, ишнинг ҳаракатини қилмоқ. *Ман*

шу ердан қочиришда сир очилиб қоладими, деб жуда қўрққан эдим. Лекин жуда қулай фурсатда иш кўрдик. Ойбек, Танланган асарлар. **Иш кўрсатмоқ** 1) намунали, қойил қоладиган иш қилмоқ. *..учала хатимга ҳам «Сени мудофаа қилишда айрим иш кўрсатганим учун орден олдим», деб жавоб қайтардилар.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Дучор келганини кўкка отарман, Иш кўрсатиб, ёрим олиб кетарман.* «Алпомиш»; 2) *с. т.* ёқимсиз (кўнгилсиз) иш қилмоқ; қилиқ қилмоқ. *Кеча тўйда кайфи ошиб, роса иш кўрсатибди.* **Иш ташламоқ** Оммавий суратда ишни тўхтатмоқ. *Бундан уч йил бурун.. Симхоев заводидаги ерлик ишчилар.. иш ташладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Иш тутмоқ** Маълум йўл-йўриқ, шарт-шароит ва ш. к. билан ҳисоблашган ҳолда иш олиб бормоқ, иш юритмоқ. *Азизим, сиз отдан тушсангиз ҳам, эгардан тушмайсиз. Орқа-олдига қараб иш тутмоқ керак.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сизга жон керак бўлса, шундоқ иш тутасиз, розимисиз?* К. Яшин, Ҳамза. *Инсоф юзасидан иш тутинг, бойвачча ака.* К. Яшин, Ҳамза. **Иш чиқармоқ** 1) бирор натижага эришмоқ, бирор иш қила олмоқ. *Бу боришдан бирор иш чиқара олдими, йўқми — бу тўғрида биз келаси фаслларнинг бирида ўрганармиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Беш марта қарши атака қилиб, ҳеч иш чиқара олмагандан кейин қутурган, энди қуршовда қолиб, жон талвасасига тушган душман..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) кутилмаганда номаъқул иш (қилиқ) қилиб қўймоқ. *Шеригингга эҳтиёт бўл, ёнидан жилма. Яна бирон иш чиқариб ўтирмасин.* **Иш юритмоқ** (*ёки* **юргизмоқ**) *қ.* **иш тутмоқ** *Эл, юрт улуғлари! Худо йўлига кўзингизни очинг! ..ҳақиқатга қараб иш юритинглар!* К. Яшин, Ҳамза. *-Ҳовлиқма, зимдан иш юргиз! — секингина сўзлаб ҳовлида қолди Қоратой.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ишга солмоқ** 1) ишга жалб қилмоқ; ишлатмоқ. *Ўрмонжон акам шуни ҳам ишга солдилар, одам қилдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аммо Асрора [Дилдорани] ноз-фироқларига қарамай, турткилаб-турткилаб ишга соларди.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) ишида фойдаланмоқ; ишлатмоқ. *Элчи ҳозир ўз подшоҳининг топшириғини бажариш учун бутун айёрлигини ишга солар, тилёғламалик қилиб, Тўмарисни кўкларга кўтарар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Чол бутун қуввайи нутқини ишга солиб, яна ялинди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ишдан чиқмоқ** 1) иш-меҳнат қобилиятини йўқотмоқ. *Раҳматли эрим мардикор эди.. касалга чалиниб, эртароқ ишдан чиқиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Неккадам қариган, ишдан чиққан эди.* С. Айний, Қуллар; 2) яроқсиз ҳолга келмоқ. *То адирнинг этагига етгунча, Турғунойнинг кавуши ишдан чиқди, адирга махсичан чиқишга тўғри келди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Лекин у ўйлаганча бўлмади, икки киши занг босиб кетган.. ишдан чиққан бешотарни олиб келиб берди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ишдан қолмоқ** 1) *айн.* **ишдан чиқмоқ 1.** *Мариянинг бахтига қарши, амаки сил касаллигига учраб, ишдан қолди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) чалғиш ва б. сабаб билан ишни мўлжалдагича қила олмаслик. *Гап билан бўлиб, анча ишидан қолди.* **Ишдан қўймоқ (***ёки* **қолдирмоқ)** Бажариб турган иш-вазифасидан вақтинча чалғитмоқ, уни бажаришга халақит бермоқ. *Йўлчи.. Шоқосимни ишдан қўймаслик учун, икки-уч минутда воқеани сўзлаб берди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Иши бўлмаслик** Аралашмаслик, эътибор бермаслик. *-Сенинг ишинг бўлмасин, — деб ғазаб билан жавоб берди амакиси.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..меҳмонлар кимлар ва нима учун келганликлари билан иши бўлмай.. сўзлаб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Иши йўқ** Эътибор бермайди. *Унинг атрофидагилар билан иши йўқ, ўз иши билан машғул.* ▬ *Хоннинг ўлик-тирик билан иши йўқ эмиш. Жони ҳалак, дейдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Иши нима** *қ.* **нима иши бор.** *Сизларни кўролмас экан. Бўлмаса, буларнинг иши нима?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Иши тушмоқ** Кимсага бирор илтимос, ҳожат билан мурожаат қилмоқ. *Бир жойдаги одаммиз, яна бир-биримизга ишимиз тушади, отахон!* Ойбек, Танланган асарлар. *..Анварга иши тушиб, унинг шафқатини кўрган Сафар бўзчи кабилар бу хабардан жуда ҳам хурсанд.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Ишнинг белига тепмоқ** Ишнинг бажарилишига, меъёрида бўлишига халал бермоқ (тўсқин бўлмоқ). *Ҳеч нарса топилмагач, уйини тинтиш учун ҳовлига киришган эди, бурчакда тинимсиз вакиллаб турган ит ишнинг белига тепди.* «Муштум». *Қочиб қаерга ҳам борарди.. Шунчаки ишнинг белига тепганига ачинасан киши.* С. Анор-

боев, Оқсой. **Ишнинг кўзини билмоқ** Ишнинг бажарилиш, битиш йўл-йўриғини яхши билмоқ. *Қайнатам ишнинг кўзини биладиган одам. Хизматкорлари бари яхши ишлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишчан, жуда-жуда ишчан одам. Ишнинг кўзини билади.. бутун ҳисоб-китоб ишларини шу эплаб турипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнгил иши** Киши ички дунёсига, кўнгли-дилига боғлиқ иш(лар). *Асрора ўйлаб қараса, кўнгил иши нозик нарса экан.* С. Аҳмад, Уфқ. **Нима иши бор** Дахлдор эмаслик, алоқа, муносабати йўқликни қайд этади. *Қаердадир қамишзорда бир номаълум девонани ит ғажиб кетган бўлса, бунда кимнинг нима иши бор?* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Сенинг кўнглинг, сенинг умидинг билан кимнинг нима иши бор!* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Менинг нима ишим бор.* —*Албатта, ишинг бўлмасин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Оллонинг** (*ёки* **худонинг, тақдирнинг, фалакнинг..**) **иши** Умуман, инсон (бандаси)га хос бўлмаган иш. *Чирқилланг, тоғнинг қушлари, Бу иш оллонинг ишлари.* «Юсуф ва Аҳмад». *Бу ишлар фалакнинг иши..* «Юсуф ва Аҳмад». *Ҳаммаси ҳам тақдирнинг иши, амаки, бу ерда сиз билан менинг ҳеч бир ихтиёримиз йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўз ишини қилмоқ** (*ёки* **кўрсатмоқ**) Муайян омил, сабаб билан боғлиқ юз берадиган иш, нарса-ҳодиса рўй бермоқ, амалга ошмоқ, рўёбга чиқмоқ. *..орадан ўтган ўн йил ўз ишини қилган — эшон анчайин кексайган, ҳатто юз териси ҳам олачипор бўлиб кетган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг ҳам, бунинг ҳам айрилгиси келмас эди. Лекин вақт ўз ишини қилди — ойни ғарб уфқидан тортиб кириб кетди. Демак, тонг отди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Итнинг инстинкт ва рефлекслари ўз ишини кўрсатган эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. **Ўтган ишга салавот** Ўтган иш ўтди, бўлар иш бўлди (бўлиб ўтган иш ҳақидаги гапни тўхтатиш, унга қайтмасликни қайд этади). *Хўш, ўтган ишга салавот. Қалай, экинларимиз дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар. **Қўлидан иш келмоқ** Муайян иш(лар)ни ўзича уддаламоқ, қила олмоқ. *Дуруст, сен самолёт ясолмайсан, кетмон чополмайсан.. лекин қиламан десанг, қўлингдан иш келади.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ИШ II *махс.* Бир жуфт пойабзалга етарли тери бўлаги ёки муайян кийимга етарли газлама. *Бу теридан тўртта иш чиқариш мумкин. Иш бичмоқ. Иш тикмоқ.*

ИШБАЙ Бажарган ишга қараб, иш ўлчовида ҳақ тўлаш усули. *Ишбай ҳақ тўлаш усули дастлаб фабриканинг 8-цехида тажриба қилиб кўрилди.* Газетадан. *Текширишда меҳнат нормаларини белгилаш ва меҳнатни ишбай асосида уюштиришда текисчиликка йўл қўйилгани маълум бўлди.* Газетадан.

ИШБИЛАРМОН Ишнинг кўзини биладиган, кўп ишга ақли етиб уддалайдиган. *Ана шу бошқармаларга кенг ҳуқуқлар бериб қўйиш, ишбилармон, обрўли ходимларни бошлиқ қилиб тайинлаш керак.* Газетадан. *Мўмин, камгап, аммо ишбилармон йигит экан.* Газетадан.

ИШБИЛАРМОНЛИК Ишбилармонга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Ишбилармонлик — бу янги нарсаларни, янги ғояларни ўйлаб топиб, уларни амалга ошира билиш ва бу йўлда учрайдиган тўсиқ, қийинчиликлардан қўрқмасликдир.* Газетадан. *Абдурасул ишбилармонлиги билан кўпнинг назарига тушиб, министрликлардан бирига кўтарилди, депутат бўлди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ИШБОП Ишга муносиб, иш учун қулай, иш вақтида фойдаланса бўладиган. *Ишбоп кийим.*

ИШБОШИ Бирор ишнинг боришини кузатиб, раҳбарлик қилиб турувчи шахс; саркор. *Хон тарафидан улар устига ишбоши қилиб белгиланган саркорлар.. қулоқ эшитмаган сўкишлар билан бечораларни таҳқир этар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ишбоши: -Қани, тараф борми? — деб полвонларни майдонга чақирганда, нима бўлдию, таваккал қилиб, ўрнимдан туриб кетдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..катта ишларни олмай, иложи бўлса, кўпригу ҳаммомлар лойиҳасини тузиб, ўзи ишбоши бўлиш ниятида эканини.. айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИШБОШҚАРУВЧИ Идора, бошқарма ва ш. к. да расмий ёзишма ишларини олиб борувчи ходим.

ИШБУЗУҚИ Битиб турган ишни бузувчи, келишилган масалада қаршилик кўрсатувчи одам; бузуқи, ғаламис. -*Мадрайим қора, ишларнинг мазаси йўқ-ку!* — *деди тўра.* -*Тўрам, ишбузуқилар бор,* — *деб пўнғиллади Мадрайим навкар Полвонга қараб.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИШВА [*а.*عشوه — кечаси (кўзи) яхши кўрмаслик; нозли, мафтун этувчи ҳаракат] Юз, кўз, қош жилваси; ноз, адо. *Бир ишва*

билан жонон девона қилиб кетди. Ҳамза, Паранжи сирлари. *Қиз кўзларида ибо ва ишва билан яна ўзининг ўша қарашидан қилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Жувон ноздан кўра ўпкага яқин бир ишва билан таъна қилди: -Шунақа, эсингизни олиб қўйишган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИШВАКОР *айн.* **ишвали.** *Ишвакор аёл.* ▬ *Чарх урсину айлансин Ишвакор жонон тўйингга.* «Бойчечак».

ИШВАЛИ Ишваси бор, ишва ифодаловчи. *Ҳадичабегим ҳали ҳусни сўлмаган нозу ишвали аёл эди.* Ойбек, Навоий. *Лаъли ишвали кўзлари билан ҳар қанча қарамасин, унинг [отнинг] димоғни маст қилувчи ёлини тараш билан машғул.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ИШВА-НОЗ Ноз ва ишва(лар). *Тинглай, дея, хуш овозингни, Ўзинг тутдинг садаф созингни. Черта кетдим зўр ихлос билан, Қараб турдинг ишва-ноз билан.* Шуҳрат.

ИШГИР *шв.* Абжир, эпчил, чаққон. *Ишгир саллот бари босиб келарди.* «Очилдов».

ИШЁҚМАС Иш-меҳнатга хуши йўқ; дангаса, ялқов. *Ишёқмасга иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар.* Мақол. ▬ *Ювош боладан қўрқиш керак, катта бўлганда, ишёқмас бўлиши мумкин..* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ИШЁҚМАСЛИК Ишёқмасга хос хусусият. *Ялқовлик, танбаллик, ишёқмаслик унга ёт.* Газетадан.

ИШКАЛ I [*а.* إشكال – мушкуллик, чалкашлик] Ишдаги чатоқ ҳолат; чалкашлик, бузуқлик. *-Тағин ёмон! Ҳар нарсадан ишкал топадиган бўлибсиз, – деди Нафиса.* А. Мухтор, Туғилиш. *Одамлар илгари вақтда савдо ишида ишкал чиқиб қолса.. қозига чопар эканлар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ревизор халқи топаман деса, ҳар қанақасидан ҳам ишкал топади.* С. Аҳмад, Сайланма.

ИШКАЛ II *шв.* Похол ёки қўғадан эшилган боғлик, арқон.

ИШКОМ Токларни кўтариб қўйиш, тараш, ёйиш учун поя ва бағазлардан баланд қилиб қурилган ёйсимон сўри; валиш. *Гулнор, очилган токларни ишкомга кўтариб, тол пўстлоғи билан маҳкамлаб боғлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баланд ишкомда узумлар ғарқ пишиб ётибди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ИШЛАМОҚ 1 Иш билан машғул бўлмоқ; меҳнат қилмоқ. *Далада ишлаяпти. Боғда ишлаяпти.* ▬ *Шунақа, эшон, деҳқон қишин-ёзин ишлайди-ю, кузга бориб илиги қурийди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Миянгизни толиқтирадиган даражада қаттиқ ишламанг.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Меъмор учун бу ерда ишлаётганлар ичида Зулфиқору Заврак, Ғаввос Муҳаммаддан яқинроқ одам йўқ эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бирор лавозимда фаолият кўрсатмоқ, хизмат қилмоқ. *Директор бўлиб ишламоқ. Университетда ишламоқ.* ▬ *Ҳозир Питнакдаги боғчада тарбиячи бўлиб ишлаётир.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳаётда хотин-қизларнинг энг биринчи фазилати, майли, у қандай лавозимда ишламасин, уй тутишни билиши, оналик бурчини ўтай олишидадир.* Газетадан.

3 Ишлов бермоқ. *Терини ишламоқ.*

4 Ижод этмоқ; яратмоқ. *Расм ишламоқ. Фильм яхши ишланибди. Ҳайкал ишламоқ.* ▬ *Бош соврин тавсия этилди – турнир ғолиби тошкентлик усталар ишлаган катта чинни вазани олади.* Газетадан.

5 Ҳаракатда бўлмоқ, юрмоқ, юриб турмоқ; амал қилмоқ. *Тегирмон ишлаяпти. Станок ишлаяпти.* ▬ *У, дала шийпонига етиб келганда, телефон ишлаётгани тўғрисида хабар қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

6 Хизмат қилмоқ, фаолият кўрсатмоқ. *Музейлар ҳар куни ишлайди. Душанба кунлари касса ишламайди.* ▬ *Институтда мароқли учрашувлар клуби ишлаб турипти.* Газетадан. *Ҳозир шаҳарда кўплаб кулолчилик ва наққошлик устахоналари ишлаб турипти.* Газетадан.

7 *физиол.* Ўз вазифасини нормал бажармоқ. *Чап қўлим ишламайди.* ▬ *-Бектемирдан кўнглим тўқ, – деди Али тажанг, – калласи ишлайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

8 *с. т.* Меҳнат қилиб топмоқ. *Пул ишламоқ. Бугун юз сўм ишладим.* ▬ *Ўтган йил бир юз ўн саккиз меҳнат куни ишладим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ишлаб чиқариш Муайян ижтимоий муносабатлар шароитида киши меҳнати туфайли жамиятнинг яшаши ва тараққий этиши учун зарур бўлган моддий бойликлар яратиш. *Рационализаторлар томонидан яратилган янгиликлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланмоқда.* Газетадан. **Ишлаб чиқармоқ** Маҳсулот тайёрламоқ. *Стендларга талабалар ўйлаб топган, ясаган, ижод қилган ва ишлаб чиқарган турли буюмлар тартиби билан қўйилган.* Газетадан. *Хива шаҳар бади-*

ий совға буюмлар фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларни халқ амалий санъатининг нодир намуналари, деса бўлади. Газетадан. **Ишлаб чиқмоқ** Тайёрламоқ, яратмоқ. *Пахта териш машинасининг янги моделини ишлаб чиқдик.* ▬ *Кейинги ярим йил давомида қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.* Газетадан. **Ўз устида ишламоқ** Ўз савияси, малакасини ошириш йўлида меҳнат қилмоқ, ишламоқ. *Каллали бола экан, мана, ўз устида ишлаб, кўтарилиб кетди.* **Қайта ишлаш** Қайта, бир неча марта ишловдан ўтказиш. *Бир грамм соф радий олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади.* «Фан ва турмуш».

ИШЛАНМА Фойдаланиш, қўллаш учун ишлаб чиқилган нарса. *..техник ва технологик ишланмаларни ўз фойдаси учун ишлатишга интилди.* Газетадан.

ИШЛАТМОҚ 1 Ишламоқ фл. орт. н. *Одам ишлатмоқ. Ақл ишлатмоқ. Расм ишлатмоқ.*

2 Қўлламоқ, фойдаланмоқ, ишга солмоқ. *Асбоб ишлатмоқ. Сўз ишлатмоқ.* ▬ *Улар гоҳ қамчин билан, гоҳ қилич, гоҳ тўппонча ва милтиқни аямай ишлатиб, халқни босиб туришибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор манфаатга йўналтирмоқ; сарфламоқ. *Маблағларни тежаб-тергаб ишлатмоқ.* ▬ *Бойлар тўйларга ишлатадиган пулни савдога ишлатсин, театр ишларига берсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИШЛИ Иши, юмуши бор; иш-хизматли. *Ишли йигит. Ишлининг иши битар, иш-сизнинг куни ўтар.* Мақол. ▬ *Яна бир оз кут, келиб қолар. Ишли одам эмасми, ахир!* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

ИШЛОВ 1 Ишламоқ фл. ҳар. н.

2 Хомашёдан маҳсулот тайёрлаш учун қилинган меҳнат жараёни ва унинг натижаси. *Ишловини келтирибсиз. Ишлови яхши.* ▬ *«Қаловини топсанг, қор ёнар» деганларидек, ишлови етилса, шўр ерларда ҳам пахтадан мўл ҳосил олиш мумкин.* Ш. Мусаев, 55 центнердан.

Ишлов бермоқ Махсус (ўзига хос) меҳнат, иш қилмоқ. *Ҳукмдорлар ўзгаргандан сўнг, муомаладаги тангаларга шундай ишлов берилган.* Газетадан. *Кечикиб экилган ғалла ҳам, чигит ҳам Матқовулнинг кейин берган ишловларига қарамай, яхши унум қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИШОНАРЛИ Ишониш мумкин бўлган; ишончли. *Ишонарли гап.* ▬ *Бу савол ўзига ишонарли жавоб талаб қилиш билан бирга, асрлар бўйи тарғиб ва татбиқ қилиб келинаётган бир асос мантиқига имтиҳон ҳам эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шерназарбойни халқ олдида оқлаш учун.. ишонарли далиллар керак эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИШОНМОҚ 1 Ҳақиқат, чин деб билмоқ. *Сўзига ишонмоқ. Ваъдасига ишонмоқ.* ▬ *Бундай яхшиликни ҳар ким ҳам қила олади, Сафар ака.. шунинг учун мирзабошининг қилган яхшилигига мен ишондим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бунинг учун ёзувчи ўзи тасвирлаётган воқеага қаттиқ ишониши керак.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Ишонч билан қарамоқ, ишонч боғламоқ; панд бермайди, деб билмоқ. *Бобур бу гал яна алданмаслик учун шаҳар ичидаги тарафдорларининг ҳеч бирига хабар бермасдан, фақат ўз кучига ишониб, таваккал қилиб келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Кузнинг ўзгарувчан об-ҳавосига кўпда ишониб бўлмайди.* Газетадан. *Шоир аср бошларидаёқ «Ер юзида таҳқирланган киши қолмайди», деб порлоқ келажакка астойдил ишонган эди.* Газетадан. *Ҳаёт Ғуломжонга ишонса ҳам.. чоҳ олдида турган кишидай қўрқиб, сўради: -Қаёққа?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Умид боғламоқ, эътимод қилмоқ; суянмоқ. *Қоматига ишонган — қаддини букиб кетади, Кўпчиликка ишонган — мақсадига етади.* Мақол. ▬ *Ойингнинг сендан умиди катта. Бор ишонгани сен.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин. *Кумуш ва онасининг бирдан-бир ишонганлари яна Ҳасаналининг ўзи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИШОНУВЧАН Ишонишга кўнгли мойил, ишонаверадиган. *..айниқса, ишонувчан, содда одамларнинг кўнглига йўл топиб, жиноятга қўл урувчилар ҳам учрашини инкор қилмаслигимиз зарур.* Газетадан.

ИШОНУВЧАНЛИК Ишонч, ишониш билан муносабатда бўлиш хусусияти, шундай муносабат. *Оққўнгил Нафиса ишонувчанлик билан йўл қўйган хатосига иқрор: кул деб, олов чангаллаб олганидан дарди ичида.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ИШОНЧ 1 Ишониш ҳисси, туйғуси. *Ишонч билан гапирмоқ. Ишонч уйғотмоқ.* ▬ *Ўнинчиси ҳам гапми, истаганича топиши мумкин — истак, ишонч ўлмаса бас..* Газета-

дан. *Йўлчи чакки одамларни топмади, Ёрматнинг ҳақсиз эканига ишончи кундан-кун ортди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бор ишончим: бир куни Ёнгай қуёш қутб узра ҳам.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Эътимод этилган, суянилган, умид боғланган шахс ёки нарса. *Модомики, иккимизнинг ёлгиз ишончимиз шу ўғлимиз экан.. бизга лозими, унинг хурсандлиги нима билан бўлса, шуни ахтаришдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Элмуроднинг ғурур билан гапирадиган гапи — келажакка ишонч ва умиди бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИШОНЧЛИ Ишонса бўладиган, панд бермайдиган. *Ишончли одам.* ▬ *Сиз суянчиқларга ишониб бўпмиз, жаноблар! ..Бошқа ишончли суянчиқларни топамиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бу ташкилотда сиз менинг энг ишончли, суянадиган кишим бўласиз.* Н. Аминов, Суварак. *Абдуғаффор ака деҳқончиликнинг истиқболи ишончли қўлларда бўлишини орзу қиларди.* Газетадан.

ИШОНЧСИЗ 1 Ишониб бўлмайдиган; бетайин. *Ишончсиз киши билан ишлама, Ажабланиб, бир кун тилинг тишлама.* Мақол. ▬ *У подшоҳни лашкар ичидаги ишончсиз шахслардан огоҳ этар, уларни жаллод қўлига топширарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Умид-ишончи йўқ, ишончсизлик ифодаловчи. *Дўстининг ташвишини ишончсиз кулги билан йўқотишга тиришди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *..худди саҳнага биринчи бор чиқаётган ҳаваскор санъаткордек, ишончсиз қадам билан телефонга борди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ИШОНЧСИЗЛИК Ишончсиз ҳис-туйғу, ишончсиз муносабат. *Ишончсизлик билан гапирмоқ.* ▬ *Широқ шоҳнинг ишончсизлик кўзи билан қараётганини фаҳмлаб, ўз сўзининг тўғрилигини исбот қилишга киришди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Менинг дилдан чиқариб айтган сўзларим Назирадаги қўрқув ва ишончсизликни тарқатиб юборди.* Х. Лутфуллаева, Бахти кулган йигит.

ИШОНҚИРАМОҚ Бир оз ишонмоқ, ишонгандай бўлмоқ. *-Билмадим, директор мени шунчаки ҳовуримни босиш учун ёлғондан айтдими, дейман, — деди ишонқирамай Алимжон.* И. Раҳим, Ўз касбини севган йигит.

ИШОРА [*а.* إشاره — кўрсатма; кенгаш; имо-ишора, белги] **1** Кўз, қош, қўл, бош ва б. ҳаракати билан берилган белги, имо, шунингдек, гап билан яширин тарзда ифодаланган маъно; шама. *Ҳўкизга — туртки, донога ишора кифоя.* Мақол. ▬ *Сафаров кўз ва қош ишораси билан Самандаровга: «Эви-да-да! Бу гаплар, бу муомала ортиқча», дегандай қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мингбоши томдаги карнайчиларга «бас» ишорасини қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Зулфиқор баъзан бу қиз нима демоқчи, дегандай хаёлга чўмар, Бадианинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, гапларидаги ишора уни чуқур ўйлашга мажбур этарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Зумрад Мавлон Исаевичнинг ишорасини тушунди: «Ахир мен туфайли келдинг бу ерларга, тентак. Бўлмаса, юрардинг ҳозир дала кезиб..».* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Ишора қилмоқ Бирор маъно (мазмун)-ни билдирувчи имо-ишора бермоқ, гап-сўз айтмоқ. *Полизнинг бошига етиб келишди. «Тўхтанглар» деган ишора қилди Ҳаким.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *-Оқиллар омон бўлсин! — деб дуо қилди Мутриб, Авазнинг бугунги оқибатига ишора қилиб.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Маълум маъно ифодаловчи, вазифа бажарувчи белги, аломат. *Тригонометрик функцияларнинг ишоралари.* ▬ *Рўзимбой аканинг чойхонасида Рамазон нўғай ўқийдиган газеталарда нозик ишоралар бор эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мактубдаги тушуниш қийин бўлган нуқта ва ишоралар яна бир қайта заҳар сочиб ўтгандек бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИШОРАЛАМОҚ *кам. қўлл.* Белги қўймоқ, белгиламоқ. *Буюмларни рақамлар билан ишораламоқ.*

ИШОРАТ *эск. айн.* **ишора.** *Аминнинг кўз ишорати билан йигитлар юқори кўтарган таёқларини қўндирмасдан сақлаб турдилар.* С. Айний, Қуллар. *Йўлчи, Қамбар уқтирган ишоратларни бир-бир кўздан кечириб, сўл ёқдаги боши берк тор кўчага кирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Абдурауф тунқотар.. даҳлизга чиқиб, ўзини четга олиб турган Султоналига, нима гап, деган ишоратини қилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИШПЕЧ Чеварларнинг ип, ипак, игна ва б. керакли нарсалари сақланадиган, шунингдек, тиззага қўйиб иш тикадиган халтаси. *Мукаррамой чевар қиз, Ишпечи тўла ипак.* Л. Абдуллаева. *Кампир ишпечи билан шойи кўйлакчани олдига олиб ўтирди.* Ҳ. На-

зир, Яхши исм. *Зумрад кўзларини чиройли сузиб, бир кулди, кейин тиззасидаги ишпечини ерга қўйди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИШРАТ [*а.* عشرت – (бирор кимса билан) дўстлашиш, айш, хурсандчилик қилиш] Кайф-сафо, маишат билан фаҳш ишлар қилиш. *Яна янги овқатлар, ичимликлар, лаганчаларда анор ва олмалар келди. Ишрат қизиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишрат кечаларининг бирида Ҳожи хола хўжасига сўнгги қадаҳни тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бечора канизак ҳукмдорнинг бир кечалик ишрати учун қурбон бўлиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Муҳаббат бирла чеккан ғурбатинг роҳат билан тенгдир. Муҳаббатсиз ва лекин ишратинг кулфат билан тенгдир.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ИШРАТГОҲ *айн.* **ишратхона.** *Танишганлар қочиш тадоригини кўришаркан, кепакчи бой.. таниш ишратгоҳга бурилар йўлдан.* С. Акбарий.

ИШРАТПАРАСТ [ишрат + *ф.* پرست – сажда қилувчи, севувчи, ҳурмат қилувчи] Айш-ишратга, кайф-сафога берилган, ишратни севувчи (киши).

ИШРАТХОНА [ишрат + хона] Ишрат қилинадиган жой, хона; ишратгоҳ. *Асфандиёрхон ишратхонадан ўтиб, ҳарамхонанинг ҳовлисига чиқди ва катта ҳовуз ёнидан ўтди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Махфий ишратхона токчаларидаги баъзи шамлар ўчган..* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

ИШСИЗ 1 Иш-юмуши, қиладиган иши йўқ; бекор(чи). *Ишлининг иши битар, ишсизнинг куни ўтар.* Мақол. ▬ *Йўқ, йўқ, бобожон, ишсиз қолсам, ичим тарс ёрилгудек бўлаверади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Иш, хизмат билан таъминланмаган. *Қаҳратон қиш. Нима кўп – ишсиз кўп. Иш топиш қийин. Мардикорлик, дала ишлари йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шаҳарлар, қишлоқлар бир-биридан афзал эмас, ҳамма оч, ҳамма ишсиз.* Ойбек, Нур қидириб.

ИШСИЗЛИК Ишсиз ҳолат, иш билан таъминланмаганлик; иқтисодий фаолиятга яроқли аҳолидан бир қисмининг ўзига лойиқ иш топа олмай қолиши. *29-модда. Ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган шахсларга мўлжалланган ишсизлик нафақасининг миқдори.* Газетадан. *Бир йигит. Бутундир оёғи, Тўрвасида ишсизлик ёрлиғи.* Рауф Парфи.

ИШТАҲА [*а.* إشتهاء – истак, хоҳиш; овқатга бўлган майл] **1** Овқатланишга уйғонган ёқимли иштиёқ (сўлак ва меъда шираси ажралиши билан юзага келади). *Ёдгор соғайиб, иштаҳаси охирги даҳадан турган пилла қуртиникидай бўлган эди.* С. Айний, Дохунда. *[Салимбойвачча] Эзилиб пишган ёғли гўштни иштаҳа билан еб, шишани яримлатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Иштиёқ, майл, ҳафсала. *Ўҳ-ҳў, балли иштаҳангга, шошма, бу ҳам бўлур тез. Ойга бориб, ўзинг ойни ола қолгин, яхши қиз.* М. Шайхзода. *Лочинбоев йигит орқасидан жамоа раиси.. кириб келишини зўр иштаҳа билан кутган эди.* Ҳ. Шамс, Характеристика.

Иштаҳага кирмоқ Овқатланишга хоҳиш, иштаҳа пайдо бўлмоқ. *Иштаҳага кирди-ю, кулча юзига ранг югурди..* К. Яшин, Ҳамза. **Иштаҳани бўғмоқ** *(ёки* **ўлдирмоқ, кесмоқ)** 1) иштаҳани йўқ қилмоқ, қайтармоқ. *Ҳаёт эса боягидай қилтомоқ бўлиб ўтираверди, тўғриси, бу ноёб бахт унинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулнорнинг ҳам иштаҳаси кесилди, иккиуч қошиқ шўрва ҳалқумидан базўр ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ҳафсалани ўлдирмоқ (қайтармоқ). **Иштаҳа(ни) очмоқ** Иштаҳа пайдо қилмоқ. *Халқ табобатида карам барги иштаҳа очувчи омил сифатида фойдаланилган.* Газетадан. **Иштаҳаси карнай** 1) иштаҳаси жуда яхши. *-Иштаҳа карнайга ўхшайди, – деди кулиб Ғози, кейин икки бармоғи билан томоғини силади.* И. Раҳим, Ихлос; 2) хоҳиши зўр.

ИШТАҲАЛИ Иштаҳаси яхши, овқатни севиб, кўнгли тусаб ейдиган; сертомоқ.

ИШТАҲАСИЗ Иштаҳаси йўқ, овқатни севиб, кўнгли тусаб емайдиган, камтомоқ. *Гулсумбиби, бетоб, иштаҳасиз қизи учун ўз ҳовлисида, ўз декчасида тайёрлаган бир коса серқатиқ хўрда ошни авайлаб кўтариб, эшикдан кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИШТАҲАСИЗЛИК Иштаҳасиз ҳолат, иштаҳа йўқлик. *Умматали, нима учундир, дами қайтган ошни иштаҳасизлик билан еб, диванга чўзилди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Чарос иштаҳасизлик билан шўрва ичаркан, онасининг ўзига диққат билан қараб қўяётганини сезар.. эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ИШТИБОҲ [*а.* إشتباه – шубҳа, гумон, шак] Шак-шубҳа, гумон. *Кўпчиликка айта-*

диган гап эмас ўзи. Майли, иштибоҳ қолмасин сизларда, айтаман. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ИШТИЁҚ [*а.* إشتياق – муштоқлик, дил хоҳиши; интилиш] Зўр истак, хоҳиш. *Иштиёқ билан ишламоқ.* ▬ *Журналнинг номи «Маориф ва ўқитувчи» эди. Адолатнинг кўнглида уни ўқишга иштиёқ туғилди.* С. Зуннунова, Гулхан. *У [Умид] жуда иштиёқ билан ёзарди, фикрлар ҳам қуйилиб келарди.* Мирмуҳсин, Умид. *У [Қудрат] қадрдон дўстларини.. кўриш иштиёқи билан ёнар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИШТИЁҚЛИ *қ.* **иштиёқманд.** *Иштиёқли ўқувчи.*

ИШТИЁҚМАНД Иштиёқи бор, иштиёқ-ҳаваси кучли. *У ҳунар ўрганишга иштиёқманд.* ▬ *Ёш шоир шеърдан кўра тўртликлар ёзишга иштиёқманд.* Газетадан.

ИШТИЁҚСИЗ Иштиёқи, майли, хоҳиши йўқ.

ИШТИРОК [*а.* إشتراك – биргалашиш, қўшилиш; шериклик; умумийлик, муштараклик] Бирор иш, маросим, мажлис ва ш. к. да ҳозир бўлиш, қатнашиш. *Маъмурият вакили иштирокида бўлган мажлис.* ▬ *Хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим иштироки билан ўтказиб олсалар, ўзларини шаҳарнинг энг бахтли хотинларидан санаб.. юрар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мирзо Меъморга таассуф билдириб, ўғлининг подшоҳга суиқасдда иштироки борлигини.. маълум қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Асосийси, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки миллий хавфсизлигимиз, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш гаровидир.* Газетадан.

Иштирок этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) Қатнашмоқ. *Мен бу тўйга иштирок этолмаганлигимни айтдим..* «Муштум». *Биз ижодий кечаларимизни шундай ўтказайликки, бу кечада ёлғиз ёзувчилар эмас, кенг жамоатчилик ҳам иштирок қилсин.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИШТИРОКИЮН [*а.* إشتراكى – социалист] *эск. айн.* **коммунист.**

Иштирокиюн фирқаси *эск.* Коммунистлар партияси. *Ўртоқ Кенжа айтгандай, биз зиёлилар иштирокиюн фирқасининг бошлаган бу ишини олқишлаб, ёрдам беришимиз керак.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ИШТИРОКЧИ Иштирок этган ёки этувчи; қатнашчи. *Мажлис иштирокчилари.* ▬ *Дарҳақиқат, биз Ўзбекистон қўриқларида юз берган ўзгаришларнинг шоҳиди, иштирокчиларимиз.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ИШТОН Тананинг белдан пастки қисмига кийиладиган, узун икки почали ички кийим; лозим. *Камолон дарвозаси билан Самарқанд дарвозасигача бўлган қўрғон остлари бошсиз ва иштондан бошқаси туналган инсон гавдалари билан тўлибди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳазратим, – деди енгилгина тўн ичидан малла кўйлак ва оқ бўз иштон кийган Мурод..* К. Яшин, Ҳамза.

ИШТОНБОҒ Иштоннинг липпасига ўтказилган боғ. *Бир вақтлар дўппи тикдим.. иштонбоғ тўқидим. Энди ундай ишларга кўзим ўтмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Попукли иштонбоғ боғла, белни ушлайди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ИШТОНСИЗ Иштони йўқ; беиштон. *Иштонсизнинг тушига икки қарич бўз кирибди.* Мақол. ▬ *Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан дегандек, то машина.. лагердан чиқиб кетгунча, Мирсалимнинг ичидан қиринди ўтди.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

ИШТОНЧАНГ 1 Иштоннинг устидан шим киймаган ҳолда, фақат иштон билан. *Саидий қайтиб келганида, ҳамҳужраси Эҳсон тор ва дим уйда иштончанг, димиқиб ўлтириб, мутолаа қилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *шв.* Иштонсиз, беиштон. *Авазнинг хаёлидан бир-биридан машъум, юракни тилкапора қилувчи манзаралар кетмай қолди. Бир капада кеча иштончанг, ориқ бир бола «нанна» дея йиғлаб, дастурхонга қўл чўзди.* С. Сиёев, Аваз.

ИШХОНА 1 Иш, хизмат қилинадиган жой; корхона. *Чиндан ҳам, адам борида ойимга енгил эди.. ишхонасига бориб-келишни биларди, холос.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 *айн.* **устахона.** *Қоратой.. ишхонада.. қизил чўғ бўлган темир парчасини болға билан гурс-гурс урар, яссилар, чўзар, қайирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИШЧАН Ишлаб чарчамайдиган, ғайрат-шижоат билан ишлайдиган; серғайрат. *Ишчан одам.* ▬ *Ишчан педагог Салима Бердиева порлоқ келажакнинг меҳнатсевар, ғайратли қурувчиларини тарбиялаб етиштирмоқда.* Н. Саъдуллаев, Камолот. *Бригада чиндан ҳам аҳил ва ишчан коллектив.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

ИШЧАНЛИК Ишчан хусусият, ишчан ҳолат; меҳнатсеварлик. *Ишчанлиги билан обрў қозонмоқ. Ишчанлик кўрсатмоқ. Ишчанликни бўшаштирмаслик.* ▬ *Камтаринлик ва ишчанлик унинг асосий хислатидек бўлиб қолди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ИШЧИ 1 Меҳнат билан шуғулланувчи, ўз кучи билан ҳаёт кечирувчи шахс; меҳнатчи. *Шу йўсин ариқ қазила бошланди. Лекин ишчи кўп, озиқ-овқат йўқ эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Биз – ишчимиз, меҳнатчимиз, Биз ҳам инсон ўғлимиз.* Ҳамза.

2 Корхоналарда жисмоний меҳнат қилувчи (ишловчи) шахс; моддий бойлик яратувчи ижтимоий гуруҳ вакили. *Завод ишчиси. Қурилиш ишчиси. Темир йўл ишчиси.* ▬ *Ишга қабул қилишда синаб кўриш – ишчи ёки хизматчининг унга топширилаётган ишга мувофиқлигини текшириб кўришдир.* Газетадан. *Эъзозли ўқувчим (балки пахтакор, эҳтимол, ишчисан, балки зиёли).* А. Шер.

ИШШ *унд. с.* Эшакни тўхтатиш учун ишлатилади. *Дангаса салқинга қочгай, иш десанг, Тўхтамоқ одат эшакка, «ишш» десанг.* Ҳабибий.

ИШШАЙМОҚ Тишларнинг оқини кўрсатиб, товушсиз илжаймоқ;. *Мурзин ҳайрон қолиб, «У эмас-ку!» деган эди, комендант «Адашманг, айнан ўзи», деди сурбетларча ишшайиб.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ҳақиқатан ҳам, у ўта мулоҳазали, хушчақчақ йигит кўринар, фақат жилмайиши ишшайишга ўхшаб кетарди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ИШЮРИТИШ Муассаса, ташкилот ва ш. к. га оид иш-ҳужжатларни олиб бориш, юргизиш. «*Давлат тилида ишюритиш ва ҳужжатчилик» курсидан ягона мукаммал дарслик яратиш..* Газетадан.

ИШЮРИТУВЧИ Ишюритишни олиб борувчи шахс. *Пойтахт атрофидаги маҳаллалардан бирида миноралик катта масжид солаётган устод Қавом ҳам бу ерга ишюритувчи сифатида.. яқинда мадрасада таҳсил кўрган бир йигитни чақирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИШҚ [*а.* عشق – севги, муҳаббат; ошиқлик, хушторлик] **1** Бошқа жинсдаги шахсга берилиш, интилиш (мойиллик) ҳис-сезгиси. *Мажнуннинг Лайлига ишқи. Ишқ савдоси. Ёр ишқида ёнмоқ. Ишқи йўқ – эшак, дарди йўқ – кесак.* Мақол. ▬ *Бир вақтлар ишқ можароларини ёлғиз эртаклардан тинглаган Гулнор.. энди ўзи ишқнинг олов кўйлагида яшар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Зўр ички интилиш; иштиёқ. *Одатда, навбаҳор келиши билан қалби яратиш ишқи билан туғён урувчи сахий боғбонлар, пахтакорлар ва ишчилар йил бўйи қилиниши лозим бўлган ишларни хомчўт қилиб оладилар.* Газетадан. *Ажабо, устознинг инсон қалбига солган ижод ишқи шогирднинг матонати билан қўшилса, мўъжиза туғиларкан.* «Гулдаста».

Ишқи тушмоқ Ишқ-меҳри уйғонмоқ, ишқ-меҳр билан боғланмоқ; севиб қолмоқ. *Деҳқоннинг ишқи ерга тушган. У ерни эъзозлайди.* Газетадан. *Бировга ишқингиз тушса, қиз боладан бешбадтар уятчан бўлиб қолар экансиз..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИШҚАЛАМОҚ 1 Икки нарсани бирбирига суркамоқ. *Ғиштни ғиштга ишқалаб силлиқламоқ.* ▬ *-Биров ишдан келса, сиз ошдан келасиз, – деди Мели полвон жаҳли чиқиб ва қўлларини ишқалаб, кетмон сопини ушлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қўл билан қаттиқ босиб силамоқ, эзмоқ. *Оёқни ишқаламоқ.* ▬ *Мўйсафид сартарош унинг* [*Йўлчининг*] *бақувват.. бошини ишқалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйқули кўзларини ишқалаб Акбар чиқар, тойчоқлардай ирғишлаб, сертупроқ кўчалардан чопқиллашиб кетардилар.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ИШҚАЛАНИШ 1 Ишқаланмоқ фл. ҳар. н.

2 *физ.* Жисмларнинг бири иккинчисининг силжишига қаршилик кўрсатувчи физик ҳодиса. *Қуруқ ишқаланиш. Ишқаланиш кучи.*

ИШҚАЛАНМОҚ 1 Ишқаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Унинг* [*кетмоннинг*] *юзи қаттиқ, серқирра тошларга узоқ вақт ишқаланган ёки қандайдир ўтмас теша билан йўнилганга ўхшарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Хира бўлиб ёпишмоқ, сурканмоқ.

ИШҚАМОҚ *айн.* **ишқаламоқ.** *Ёрмат севинганидан кафтини ишқаб, кулиб, танчадан бир қадам нарига чўкка тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бурнини ерга ишқамоқ *қ.* **ер.**

ИШҚИБОЗ Меҳр-ҳавас қўйган, берилган; ҳавасманд. *Мусиқага ишқибоз одам. Отга ишқибоз. Спортга ишқибоз.* ▬ *Ҳамро аканинг қизи Обида қишлоқ мактабида ўқиб юрган кезларидан машинага ишқибоз эди.* Ҳ.

Назир, Маёқ сари. *Овга ишқибоз ёш-ялангнинг куни туғди: тоғда дон тополмай оч қолган какликлар гала-галаси билан дарага ёпирилиб тушган.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИШҚИБОЗЛИК Меҳр қўйиш, берилиш, кучли майл. *Санъатга ишқибозлик. Ишқибозлик айб эмас.* ▬ *Ишқибозлик ҳам ҳар хил бўлади, чунончи, биров гулга, булбулга, биров машинага, йўрға отга ишқибоз..* «Муштум».

ИШҚИЙ Ишқ-муҳаббатга оид; ишқни ифодаловчи. *Ишқий шеър. Ишқий драма.* ▬ *Гулнор ишқий кечинмалар, белгисиз хаёллар ичида ўртаниб, ёлғиз ётаркан, ҳовлида отасининг овозини, қўй маърашини эшитди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оқила муҳаббатни ишқий мактубларсиз, учрашувларсиз.. тасаввур қила олмади.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ИШҚИЛИБ Нима қилиб бўлса-да, ҳар қалай, ҳар ҳолда. *Бобохўжа домла ҳаммавақт бир хилда ўқитар, бир хилда ёздирар, ишқилиб, бир амаллаб вақтни ўтказар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мажлис қизиб кетди. Қатнашувчиларнинг кўпчилиги озми-кўпми, яхшими-ёмонми, ишқилиб, гапирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИШҚИРМОҚ *шв.* Пишқирмоқ. *Бу майдонда бедов отлар Ишқирар майдон ичинда.* «Алпомиш».

ИШҚОР [*ф.* اشخار *ёки* شخار – поташ, калий карбонат] **1** *ким.* Металларнинг аралашувидан ҳосил бўлган, сувда яхши эрийдиган асослар, мас., ўювчи натрий, ўювчи калий.

2 Шундай моддали эритма.

Ишқори озмоқ Жаҳли қўзғамоқ, ғазаби қайнамоқ. *..қулоқчинни бостириб олиб, йигитчалар қатори ер текислаётган куёвини кўраркан, қайнотанинг ишқори озиб кетди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ИШҚОРИЙ *ким.* **1** Ишқор ҳосил қилувчи. *Ишқорий металлар.*

2 Ишқор хусусиятига эга бўлган. *Ишқорий эритма.*

ИШҚОРЛАМОҚ Ишқор билан ишлов бермоқ, ишқор солмоқ. *Сувни ишқорламоқ.* ▬ *Ишқорлаш цехида.. элеваторлар.. синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга шай этиб қўйилди.* Газетадан.

ИШҚОРЛИ 1 Ишқори бор, ишқор аралаштирилган. *Ишқорли сув.*

2 Ишқор воситасида ишлайдиган. *Ишқорли аккумулятор.*

ИШҒОЛ [*а.* إشغال – эгаллаш, босиб олиш; иш билан банд этиш]**: ишғол қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) забт этмоқ; қўлга олмоқ; эгалламоқ. *Пиёда аскарларимиз.. ҳамла қилиш учун қулай позицияларни ишғол қилган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ўратепанинг бу сафарги ишғол этилиши алоҳида аҳамиятга эга эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2) банд қилмоқ, қопламоқ, эгалламоқ. *Унинг фикрини ўз ишлари ишғол қилган эди.* ▬ *Улар пича юриб, тўрт-беш таноб жойни ишғол этган бедазорга чиқишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бадианинг хаёлини бир лаҳза ўша, Хўжа Юсуф Андигоний келган базм ишғол қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИЮЛЬ [*лот.* julius] Янгича йил ҳисобида еттинчи ой номи (Милоддан аввалги 45-йилда Рим ҳукмдори Гай Юлий Цезар шарафига шундай ном олган).

ИЮНЬ [*лот.* junius] Янгича йил ҳисобида олтинчи ой номи (Қадимги Рим маъбудаси Юнона номи бўйича аталган).

ИЯ *с. т.* Ие. *Ҳа, нима бўлди.. Ия, бурнингдан қон оқяпти-я!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЯК 1 Пастки жағнинг ҳар икки томони қуйилиб келиб бирлашган жойи. *Ияги чўзинчоқ одам.* ▬ [*Бозорбой*] *Пойгакка чўккалаб, сўнг бир қўли билан соқоли майса бўлиб қолган иягини силаб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Кел, Саид ўғлим, – деди Мўмин амаки, ияги бурнига бориб келиб узум ер экан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Пастки жағ. *-Дадаси бўлса, урушда.. – Хадича аянинг ияги қалтиради.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Гулноранинг очиқ кўзларида ҳаёт нури сўнганди. Рўмол тугунларини ечиб, иягини боғладим.* Газетадан.

Ияк ташламоқ (*ёки* **қоқмоқ**) Ўлим талвасасида ётмоқ. *Кун ўтди, ҳафта ўтди, ниҳоят, амалдор шифтга қараб ётганича, бир-икки ияк қоқди – жон берди.* «Муштум». *Нима, ажали етиб, иякни қоқишга қараб қолди, пўк этиб ўлса, бўлганимиз бўлдик.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ИЯРМОҚ *шв.* Эргашмоқ. *Ҳайронлик устига бағрин доғлади, Туяга ияриб, бўзлаб йиғлади.* «Алпомиш». *Тўғонбек кўп ичди. Унга ияриб, Алоиддин ҳам.. қадаҳни ортиқроқ кўтариб, ниҳоят, чўзилиб, қотиб қолди.* Ойбек, Навоий.

ИҚ: иқи суймоқ Ёқтирмоқ, хушламоқ. *[Дадаали] Гоҳ молхонада ивирсийди, гоҳ чизимча билан ток бойлайди.. ишқилиб, тек турганни иқи суймасди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *[Эломонов] Тўлқиновни кўпда иқи суймасдию, лекин ўзи дуруст одамга ўхшайди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Бир кўришдаёқ иқим суйиб, худди отам тирилиб келгандай сезсама.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ИҚБОЛ [*а.* إقبال – пешвоз чиқиш; яқинлашиш; қизиқиш; бахт, омад] **1** Бахтли тақдир, порлоқ келажак; бахт, омад. *-Гулшаннинг иқболи баланд. Жуда пишиқ, жуда тиришқоқ у, – деди Зайнаб.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мени кутаётир ажиб келажак, У менинг иқболим, менинг бахтимдир.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Тақдир, қисмат. [*Мулладўст ўз-ўзига:*] *Бу дунё ҳамма ёғидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун эллик тўртга кирибманки, иқболим нас-фалокатдан сира ажралмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 *айн.* **истиқбол 3**. *..келаётган Аъзамни кўриб, «Худога шукур, омон қайтди қўзичоғим», деб иқболига чиқди..* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Иқболи чопмоқ Бахти кулмоқ, омади юришмоқ. *Чопган экан асли сенинг иқболинг, Асли бу жаҳонда йўқдир бу ёринг.* «Баҳром ва Гуландом».

4 Иқбол *(*хотин-қизлар исми*)*.

ИҚЛИМ [*а.* إقليم – минтақа, ҳудуд, ўлка; об-ҳаво < *юн.* klima, klimatos – эгиш, энгаштириш; майл, мойиллик] **1** Муайян жойнинг ўзига хос, ҳар йили такрорланувчи одатдаги об-ҳаво шароити. *Тоғ иқлими. Денгиз иқлими. Иқлим ўзгаришлари.* ▬ *Ўрта Осиё республикалари жуда қуруқ иқлим бўлган зонада жойлашган.* «Фан ва турмуш». *Тортиқ этмиш табиат хуш иқлим, тоза ҳаво.* Ё. Мирзо.

2 *кўчма* Шароит. *Меҳнат жамоасидаги маънавий иқлимнинг яхши ёки ёмон бўлиши кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқдир.* Газетадан.

3 Дунё, унинг бир қисми; минтақа. *Чиройли, попукдай бир қиз ўйнадики, аҳ-аҳ, иқлимда мисли йўқ..* Ойбек, Улуғ йўл. *Ғайрат қилган киши иқлим сўрайди, Юраги катта ҳар бир ишга ярайди.* «Эрали ва Шерали». *Бу хабар бутун иқлим бўйлаб тарқалди.* «Ёшлик».

Етти иқлим Қадимги араб географларининг қарашларига кўра, ернинг етти минтақасидан ҳар бири. *Етти иқлим подшоси етти нома ёзиб, ўз элчиси орқали Қорасоч парининг отасига юборибди.* «Эртаклар». *Қамбар чўлоқдек исковуч етти иқлимда йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИҚЛИМИЙ Иқлимга оид. *Иқлимий шароит.* ▬ *Мамлакатимизнинг турли иқлимий зоналарида ўсувчи ўсимликлар турли вақтларда гуллайди.* «Фан ва турмуш».

ИҚЛИМЛАШМОҚ Бирор ернинг иқлимига мосланмоқ, иқлимга ўрганмоқ (ўсимлик, ҳайвон ҳақида). *Субтропик мевалар, асосан.. Кавказ, Қрим ва бошқа жойлардан келтирилиб, республикамизнинг жанубий районларида эндигина иқлимлашаётир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ИҚЛИМШУНОСЛИК *геогр. метеор.* Турли хил иқлимларнинг таркиб топиш сабабларини, иқлимнинг инсон фаолияти объектларига ва инсоннинг ўзига, шунингдек, турли табиий ҳодисаларга таъсирини ўрганадиган фан тармоғи.

ИҚРОР [*а.* إقرار – эътироф қилиш; рост деб ҳисоблаш] Тан олиш, бўйнига олиш; эътироф этиш. [*Унинг*] *Тенги йўқ, хушрўйлигига ҳамма иқрор.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Оққўнгил Нафиса ишонувчанлик билан йўл қўйган хатосига иқрор: кул деб, олов чангаллаб олганидан дарди ичида.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

Иқрор бўлмоқ *(ж. к. билан)* Тан олмоқ, бўйнига олмоқ, эътироф этмоқ. *Қиз аммасининг оёғига йиқилди ва ўз қилмишига иқрор бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Иқрор қилмоқ** *(т. к. билан) айн.* **иқрор бўлмоқ**. *Тўғриси у, Меҳрининг чаққонлигига қойил бўлган эди-ку, буни иқрор қилгиси йўқ эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ИҚТИБОС [*а.* إقتباس – қисқартириш, торайтириш; қўлга киритиш; кўчирма олиш; кўчирма, далил келтириш] *эск. кт.* Кўчириб олинган, олинган нарса. *Улуғ аждодларимизнинг меросидан дидсизларча ва илмий таомилга риоя қилмасдан, узиб-юлиб олинган иқтибослар билан изоҳламоқдалар.* Газетадан. *Биз бу иқтибосни атайлаб туркча аслият ҳолида келтирдик.* П. Қодиров, Тил ва эл.

Иқтибос қилмоқ Олмоқ, ўзлаштирмоқ. *Янги воқеликни ифодалаш учун эса янги-янги сўзлар яратилиб ёки иқтибос қилиниб, муомалага киритилади.* Газетадан.

ИҚТИДО [*а.* إقتداء – эргашиш, тақлид қилиш] *эск. кт.* Эргашиш, тақлид қилиш.

Иқтидо қилмоқ Намозда имомга тақлидан ҳаракат қилмоқ. [*Домла:*] *Халқ ичида қандай ташвиқот қила оламан, зероки, маҳалладаги менга иқтидо қиладиган қавмдан ниҳоят уч-тўрт кишигина қолди, холос.* К. Яшин, Пьесалар.

ИҚТИДОР [*а.* إقتدار – куч-қувват, қудрат; қодирлик, қобилият; ҳолат] Куч-қудрат, қодирлик. *Мулла Муҳсиннинг аҳволи маълум, ўзидан бир гап чиқариб, мажлисни хурсанд қилишга иқтидори ва маҳорати йўқ.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Улар ҳар жабҳада, ўзларига берилган илоҳий иқтидорлари боис, халқимиз фаровонлиги.. йўлида жонларини жабборга бериб меҳнат қилмоқдалар.* Газетадан.

ИҚТИДОРЛИ Куч-қудратга молик, қудратли, қодир. *Иқтидорли санъаткор.* ▬ *Ўзбекистон бадиий академияси Маданият ишлари вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда тасвирий ҳамда амалий санъат бўйича иқтидорли ёшларнинг иккинчи республика танловини ўтказди.* Газетадан.

ИҚТИДОРСИЗ Иқтидори йўқ, куч-қудрати йўқ. *Эшикдан кириб, стол устидаги қоғозларга кўзи тушиши билан ўзини ҳаддан ташқари чарчаган, ҳар қандай фикрий ишга иқтидорсиз сезиб, бўшашди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ИҚТИСОД [*а.* إقتصاد – хўжалик; тежаб-терглаш; экономика] **1** Сарф-харажатда тежамкорлик, тежаб (асраб) қолиш. *Ишга омилкорлик билан ёндашиш, иқтисод ва тежамкорликда шахсий намуна кўрсатиш – шу куннинг талаби.* Газетадан.

2 *с. т.* Ейиш-ичиш; ейиш-ичиш билан боғлиқ ҳолат. *Оилада жанжал асосан иқтисод хусусида чиқади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *-Хўш, энди иқтисодга ўтайлик, – йигит ён дафтар билан қаламни қўлига олди. – Қани, кўнгиллари нимани хоҳлайди?* «Муштум».

3 *айн.* **иқтисодиёт.** *Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг «Бизнес олами» ўқув маркази «Янги йил олди чиқишлари» ток-шоусини ўтказади.* Газетадан. *Демак, бу сиёсатни амалга оширмоқ учун иқтисод илмини.. сирларини билмоқ керак.* Газетадан.

Иқтисод қилмоқ Тежаб қолмоқ. *12 ишчини бошқа ишга кўчириш.. давлатнинг 200 минг сўмликка яқин маблағини иқтисод қилади.* Газетадан.

ИҚТИСОДИЁТ [*а.* إقتصاديات – хўжалик масалалари; хўжалик] **1** Ижтимоий тузумнинг базиси.

2 Халқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари. *Республиканинг иқтисодиёти.* ▬ *Натижада шаҳар иқтисодиёти ўнгланиб, сармоя ва валюта тушуми муттасил ортмоқда.* Газетадан. *Бугунги кунда инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётимизнинг устувор вазифаларидан биридир.* Газетадан.

3 Хўжалик тармоқларининг моддий ва молиявий томонларини ўрганадиган фан.

ИҚТИСОДИЙ Иқтисодга, иқтисодиётга оид; иқтисодиёт (иқтисод)га боғлиқ бўлган. *Иқтисодий масалалар. Иқтисодий шароит. Иқтисодий сиёсат. Иқтисодий танглик. БМТнинг Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чоралари.* ▬ *Тупроққа микроўғит солиш эса ҳосил ортиши мисолида иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди.* «Фан ва турмуш». *Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига ёнилғи-энергетика ресурслари сарфининг камайиши халқ хўжалигига жуда кўп иқтисодий самара беради.* Газетадан.

ИҚТИСОДЧИ 1 Тежаб-тергаб сарф этувчи; сарф-харажатни тежаб-тергаб бажарувчи; тежамкор. *Иқтисодчи киши.*

2 Иқтисодиёт фанлари ва иқтисодий масалалар бўйича мутахассис. «*Ўзмашийтехника» институтида иқтисодчи бўлиб ишлайдиган Дилфуза Латипованинг..* Газетадан. *Бундан ташқари, олий маълумотли ўн уч агроном, тўрт инженер, етти иқтисодчи самарали меҳнат қилмоқда.* Газетадан.

ИҚТО [*а.* إقطاع – чек, тақсимлаб берилган ер; ҳадя, мукофот қилинган ер майдони] *тар.* Кўпчилик Шарқ мамлакатларида, жумладан Моварооуннаҳрда ўрта асрларда катта, алоҳида хизматлар учун ҳукмдор томонидан инъом қилинган чек ер.

ИҚТОДОР Иқто эгаси, иқто олган шахс.

ИҒВО [*а.* إغواء – йўлдан уриш, оздириш; алдаш, адаштириш] Низо, нифоқ солишга, иттифоқни бузишга, бузғунчиликка қаратилган хатти-ҳаракат, ёлғон-яшиқ, уйдирма, бўҳтон ва ш. к. *Бойнинг иғвосига алданган бечоралар икки жаҳон овораси бўлди.* С. Айний, Қуллар. *-Хўш, – деди Бўтабой, – сен ҳам ёт унсурларнинг иғвосини тарқатадиган бўлиб қолдингми!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ишни бошлиқларга қарши*

иғводан эмас, меҳнатдан бошлаш керак, ўртоқ Сариев. А. Мухтор, Туғилиш.

Иғво солмоқ Орада иғволи гап-сўз юритмоқ (қўзғамоқ). *Эҳтимол, иккимизнинг орамизга иғво солиб, ширингина турмушимизни бузмоқчи бўлсалар?* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. **Иғво қилмоқ** Иғволи гап-сўз қилмоқ, фитна уюштирмоқ. *Хўжаназар мени ва бошқаларни колхозга қарши иғво қилиб, ўзи уч хўжалик бўлиб, ҳаммадан бурун колхозга кириб олди.* С. Айний, Қуллар.

ИҒВОГАР Иғво билан шуғулланувчи, иғво тарқатувчи (шахс). *Иғвогар одам.* ▬ [*Музаффар:*] *Ҳақиқатни гапирсак, ёмонотлиқ қилдингиз. Иғвогар, юртбузуқи, ҳасадгўй дедингиз.* Уйғун, Навбаҳор. *Иғвогар, одамлар ўртасига нифоқ ташлайди. Коллективни бузади, таълим-тарбияни издан чиқаради.* Р. Усмонов, Одобнома.

ИҒВОГАРЛИК Иғво иши. *Иғвогарлик билан шуғулланмоқ.* ▬ *Устозимнинг айтишича, инсониятда иғвогарлик, чақимчилик, ичиқоралик.. кўп бўлар экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Омон Қодиров иғвогарлик билан жамоатни ўз таъсирига олиб қўйди-ку!* М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

ИҒВОЧИ *айн.* **иғвогар.** *Иғвочининг гапига кирган.. Гумроҳ отанг мен бўлдим.* «Зулфизар билан Авазхон».

ИҲ *унд. с.* Норозилик ифодалайди. -*Сен ёлғиз эмассан, — пичинг қилди Салим, — Гулнордай онанг бор. ..Нурининг ғазаби тутақиб.. «иҳ!» деб, тескари бурилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИҲОНАТ [*а.* إهانت — камситиш, хўрлаш, таҳқирлаш] *эск. кт.* Бепарволик, писанд қилмаслик, беҳурмат қилиш, таҳқирлаш. *Дадабой.. худонинг уйига иҳонат келтириб ётган фосиқ.* «Муштум». *Киши икки ҳолда: бири — ватанида авқоти (тирикчилиги, турмуши) кечмаса ва яна бири — изо ва иҳонат жон-жонидан ўтиб кетса, сафар ихтиёр қилур.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ИҲОТА [*а.* إحاطه — ўраб олиш, девор; қамраб олиш] Атрофни тўсиш, ҳимоя учун ўраш, тўсиш ва шу мақсаддаги тўсиқ, ҳимоянинг ўзи; қуршов. *Даладаги иҳота дарахтлари шохига қўниб олган ғалати қушчалар чуғурлашиб, ўзаро нима ҳақдадир баҳслашмоқдалар.* Газетадан. *Бобур Зарафшон дарёси кўриниб турган бир жойни ўрда қилиб, атрофига чуқур хандақлар қазитди, шохшаббалардан ўқ ўтмайдиган иҳоталар яратди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *..баъзида ўттиз-қирқ отлиқ иҳотасида амирзодалар ҳам сайрга чиқади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Иҳота қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Тўсиб ҳимоя қилмоқ. *Тўрт ботмон чамаси мевазор, гулзор баланд пахса девор билан иҳота қилинган эди.* «Шарқ юлдузи». *Қалъани иҳота қилиб турган навкару ясовуллар ҳар томонга тумтарақай қочиб кетишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фақат эшик олдида тарвақайлаган катта тут дарахти қалин соя ташлаб, унда истиқомат қилувчиларни иссиқдан иҳота этиб турар эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ИҲОТАЛАМОҚ Маълум бир ҳудудни чегаралаб ўраб, тўсиб қўймоқ. *Уйлари гувалак ёки чим билан иҳоталанган, эгрибугри шох-шабба, устидан қамиш солиниб, лой босилган қоронғи кулбалардан иборат эди.* С. Абдулла, Қувғинда.

ИҲРАМОҚ Оғриқ, алам ифодаловчи овоз чиқармоқ. *Икки йигит ўқ еди шекилли, иҳраб қулади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Иҳраб ётган Шаҳоб бошини чайқади ва қийналиб ютинди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Кучала еган каби тиришиб, бузоғи тескари келган сигирдек тўлғанади ва иҳрайди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ИҲРАНМОҚ Оғриқ, толиқиш ва ш. к. таъсирида «иҳ, иҳ» деган товуш чиқармоқ. *Жўравой ўрнидан турди. Оғриқ ва ҳорғинликдан иҳраниб-иҳраниб, ғуслхонада ювинди.* «Ёшлик». *Нормат полвон иҳрандию, милтиқни қўйиб юборди.* «Ёшлик».

ИҲРОМ *айн.* **эҳром.** *Миср иҳромлари.*

ИҲТИЛОМ [*а.* إحتلام — балоғат, етуклик; поллюция] *физиол.* Эркакларда ғайриихтиёрий (жинсий алоқасиз) шаҳват (сперма)нинг кетиши, тўкилиши (асосан уйқу пайтида).



ЙИГ *қ.* **дуг**.

ЙИГИРМА 1 20 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Йигирма киши. Йигирма кун. Йигирма литр сут. Йигирма сўм. Йигирма туп кўчат.* ▬ *У кўринишда уятчан, йигирма яшар йигит эди.* Ойбек, Танланган *асарлар. Дадам асли ўша ерлик экан-у, бундан йигирма йилми, ўттиз йилми олдин бу ёққа келиб қолган..* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 *этн.* Киши вафотидан сўнг ўн еттинчи ёки ўн тўққизинчи куни ўтказиладиган маросим. *Йўлдош мотамсаро. Онасининг жанозаси, йигирмаси, қирқи, хатми қуръон деб, анча чиқимдор бўлганга ўхшайди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Одатга мувофиқ онамнинг йигирмасини ўтказаман, деб бор-йўқ пулларимдан ажралдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЙИГИРМАНЧИ 1 Тартиб қаторига кўра нарсанинг 20 рақами билан белгиланган ўрин кўрсаткичи. *Йигирманчи уй. Йигирманчи аср.*

2 Оёқ кийимларининг ўн тўққиздан катта, йигирма бирдан кичик ўлчам рақами. *Йигирманчи туфли. Йигирманчи пайпоқ.*

3 Шартли равишда 20 та шам ёруғлигига тенг деб олинган ёруғлик ўлчами. *Йигирманчи фонарь. Йигирманчи чироқ.*

ЙИГИРМОҚ Табиий (ўсимлик, жун ва ипакдан олинадиган) ва сунъий (кимёвий йўл билан олинадиган) толаларни эшиб, пишитиб ип қилмоқ. *Ип йигирмоқ. У ҳар сменада беш тонна ипак йигиради.*

Чарх йигирмоқ Чархда толани тозалаб, эшиб, пишитиб ип қилмоқ. *Найманча — азалдан косиблар маҳалласи.. Аёли чарх йигирса, эркаги бўз тўқирди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

ЙИГИРУВ 1 Йигирмоқ фл. ҳар. н. *Ипни йигирув.*

2 Йигириш иши. *Йигирув, тўқув, читга гул босиш фабрикаларида янги.. дастгоҳлар гумбурлаб юриб турибди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ЙИГИРУВЧИ Йигирув жараёнини бошқарувчи, йигириш билан шуғулланувчи шахс, мутахассис. *Йигирувчи қиз. Йигирувчилар бригадаси.* ▬ *Кампирнинг келинини танир эдим. У комбинатнинг кўзга кўринган ип йигирувчиси эди.* «Муштум».

ЙИГИТ 1 Жинсий ва жисмоний жиҳатдан вояга етган эркак. *Уларнинг бири йигирма ёшлардаги қотма, хипча йигит эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Умуман, ёш эркак, ёш киши. *Мана шу ерда МТС ташкил қилинди-ю, бунга ўша пахта заводида ишлайдиган бир йигит каттакон бўлиб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *кўчма* Эр киши, жасур одам, мард. *Йигит сўзидан қайтмас, арслон — изидан.* Мақол. *Эр йигит бошига иш тушганда синалар.* Мақол. *Йигитнинг моли ерда.* Мақол.

4 *с.т.* (эгалик қўшимчаси билан) Қизнинг кўнгил қўйган кишиси, севгилиси. *Ҳой, менга қара, сенингча, йигити бор қиз биров билан гаплашмайдими?* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

5 Бирор ҳарбий тўдага, гуруҳга мансуб бўлган эркак киши. *Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгандан кейин, Камолон тарафидан бир юз*

чамалик саркарда ва йигитлари билан Азизбек кўринди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Ўзига нисбатан ёши кичик кишига мурожаат қилишда қўлланади. *Йигит, бу йўл қаёққа олиб боради?* ▬ *Ҳай, ўт йигит, ҳалиги сўзларинг олтинга арзийди..* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИГИТБОШИ *эск.* Бирор ҳарбий тўда ёки гуруҳга (йигитларга) бош киши, бошлиқ. *..жаноблари Раҳмонқул қўшинини ўз ҳимояси ва идорасига олдилар. Энди унга сиз каби, Комил афанди каби йигитбошилар керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЙИГИТЛАРЧА Йигитларга хос, мардона, мардонавор. *Йигитларча ишламоқ.*

ЙИГИТЛИК 1 Эр жинсидаги шахснинг балоғатдаги даври, балоғатга етган даври. *У йигитлигини дарбадарликда ўтказиб, Андижондан Бухорогача пиёда кезган.. барча катта-кичик «тоға» деб ҳурматлайдиган Юсвали чол эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёшсан, соғсан, ишла, ўйна, улфат қур, ҳар бир шўхлик йигитликда ярашади, болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шахснинг балоғатга етган, йигит даврига хос. *Йигитлик ғурури.* ▬ *Оғир, вазмин йигит. Офтоб тиғида қорайган билакларидан йигитлик кучи ёғилиб турибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Йигитликнинг шўх ҳаваслари юракда бир лаҳза чайқалиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Йигитга хос мардлик, довюраклик, жасурлик. *-Жуда яхши, жуда соз бўпти, асл йигитлик қилибсиз — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг йигитлигига тилда таҳсин ўқиб.. югуриб келаётганим-да, бек ака.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 *айн.* **йигитчилик**. *Сен ҳали ёшлик қиласан. Йигитлик эмиш. Шу ҳам гап бўпти-ю.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИГИТЧА *рвш.* Йигит сингари, йигитга хос, йигитдек; мардона. *Бир йигитча иш қилмоқ.* ▬ *Қиз тўн, дўппи кийиб, белбоғ боғлаб, йигитча ўйинга тушди.*

ЙИГИТЧА 1 Йигит 1 с. кичр-эркл.

2 Ёш йигит, ўсмир, ўспирин. *Шу баҳорда ўзи ўлиб кетди. Қўлидан иш келадиган битта йигитча ўғли бор, қолганлари чурвақа.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йигитчанинг шу «хон» деган қўшимчасида «менинг Зебинисам» деган маънода бир мақтаниш, бир ғурур оҳанги бор эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 Ўзига нисбатан ёши кичик йигитга, ўсмирга мурожаат қилишда қўлланади. *Э, э, йигитча! Қани, бу ёққа келинг-чи!* А. Қаҳҳор, Ўжар.

ЙИГИТЧАСИГА *рвш.* Йигитларга ўхшаб, йигитлардек. *Йигитчасига ишламоқ. Йигитчасига қадам ташламоқ.*

ЙИГИТЧИЛИК Йигитликда бўладиган хатти-ҳаракат, юриш-туриш. *-Бўлғуси қайнатамизнинг кичкина боғлари бор эди. Йигитчилик экан-да, бозор куни ғира-шира маҳалида уч пахса девордан ошиб тушдим, — деди чол.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЙИГИТ-ЯЛАНГ Эркак жинсидаги ёшлар, ёш кишилар, йигитлар. *Самоварга келувчи йигит-яланглнинг чаккасида лола гулларни кўриб қолдим.* F. Ғулом, Тирилган мурда. *Кейинги кунларда маҳалла йигит-яланглари ўртасида янги гап тарқалди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЙИГНА *с. т.* Игна.

ЙИГЧИ *қ.* **дукчи**. *Келинг, ўша ҳунарларни мен бир-бир санай, сиз эшитинг: тақачи, темирчи, йигчи, заргар.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ЙИЛ 1 Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш муддати; ўн икки календарь ойига тенг вақт, шундай вақтга тенг ўлчов. *Ўтган йил. Бу йил. Йилнинг тўрт фасли.* ▬ *2006 йил учун обуна давом этмоқда.* Газетадан. *Бу йил ёғин-сочин кўп бўлиб, ер-кўк чамандай яшнаб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бирор ҳодиса, воқеа юз берган кундан бошлаб ўтган ўн икки ойлик вақт. *Унинг ишга кирганига беш йил бўлди.* ▬ *Учинчи отам билан икки йилча яхши туришди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Ўн икки ойлик вақт билан ҳисобланадиган календарь тизими. *Милодий йил. Ҳижрий йил. Кабиса йили. Қуёш йили. Ой йили. Қамария йил ҳисоби.*

Академик йил *айн.* **ўқув йили. Йил ўн икки ой** *с. т.* Йил бўйи, бутун йил давомида. *Йил ўн икки ой бекорга ишлабман.* **Ўқув йили** Ёзги таътил охиридан бошлаб келгуси ёзги таътил бошланишигача бўлган ўқиш муддати. *Техникум янги ўқув йилига катта тайёргарлик билан келди.* Газетадан.

4 *астр.* Бирор планетанинг Қуёш атрофида бир марта айланишида ўтадиган муддат. *Марс йили* (687 суткага тенг)*, Зуҳра йили* (225 суткага тенг).

5 *тар.* Мучал йил ҳисобида ўн икки мучалнинг ҳар бири (*қ.* **мучал**). *У қўй йилида туғилган. -Йилинг нима? -Йилим – сичқон.* ▬ *Бу йил ит йили эканми, билмайман. Кулолликда ҳам мени итлар тинчитмади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Йил ағдариш Ёшни мучал ҳисоби билан белгилаш.

6 *этн. қ.* **йил оши.** *..эри Холдорбековнинг йили ўтар-ўтмас, бойваччага кенжа хотин бўлиб тушгани маҳалла-кўй ўртасида анча нохуш гап-сўзлар уйғотган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

Йил оши *этн.* Киши вафотидан кейин, одатда, тўққизинчи ёки ўн биринчи ойда халойиққа ош бериб ўтказиладиган маросим. *У вазифа: ота-онамиз учун йил оши бериш ва икки укамизни тўй қилиш эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Азизанинг йил ошисидан кейин ўртоқлари.. уйланишга мажбур қила бошладилар.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЙИЛБАЙ Йилига байлашилган, йиллик қилиб шартлашилган, бир йил давомида ёки бир йилда бир марта ҳақ тўланадиган. *Йилбай иш. Йилбай ҳақ.* ▬ *Мирзакаримбой ўйлаб қолди: Кейин, қозоқ, қирғиздан киши баҳра топади. Йилбай қилиб саҳродан келтирасан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИЛГИ Йилга оид. *Бу йилги пахта терим кампанияси. Ўтган йилги хатолар такрорланмасин.* ▬ *[Аравакаш:] -Бу – ўтган йилги, узоқ йилги пахталар, – деб жавоб қиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уч кун ичида уч йилги касалдай бўлиб қолибсан.* Ойбек, Танланган асарлар.

Юз йилги гап 1) аввал бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, эски гап-сўзлар; 2) айтилавериб сийқаси чиққан гап.

ЙИЛДИРИМ *эск.* Чақмоқ, яшин. *Юксакликка кўтарар мени Йилдиримдай ёришган роҳлар.* Ш. Раҳмон.

Йилдирим соқчиси *эск.* Яшин қайтаргич. *Оёқ остидаги сомон парчасидан тортиб томдаги йилдирим соқчисигача Саидийга қарайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЙИЛИГА 1 Ҳар бир йил учун, ҳар йил ҳисобига, бир йил давомида. *[Ўрозни] Бир қўйчи бой, йилига саккиз сўмдан ёллаб, Тошкентга келтирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳар йили. *Биз йилига Шоҳимардонда дам оламиз.*

ЙИЛЛАБ *рвш.* Бир неча йил мобайнида, бир неча йиллар давомида. *Бирови йиллаб сақлаган йилқи мойи топиб келиб, тўпиғимни силайди, бирови қизиқ-қизиқ гаплар айтиб, кўнглимни кўтаради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙИЛЛАРЧА *рвш.* Бир неча йил мобайнида, йиллаб. *Ҳозир иккиси [Йўлчи билан Гулнор] қалбларида йилларча сақланган муқаддас орзуларга етишганликларидан.. маст каби эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИЛЛИК 1 Бир йилга мўлжалланган: бир йил ичида содир бўладиган. *Йиллик мажбурият.* ▬ *Деҳқон аҳди, ваъдасининг қатъийлигига бўлимнинг йиллик якунларини таҳлил қилганда яна бир бор қаноат ҳосил қилдик.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Муайян тарихий воқеа-ҳодисани нишонлаш, байрам қилишдаги йил ҳисобини ифодалайди. *Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган илмий анжуман.*

ЙИЛНОМА Воқеа-ҳодисалар изчил тарзда йилма-йил (йиллар давомида) қайд этиб борилган тарихий ёзма ҳужжат; солнома. *Йилнома ёзмоқ.* ▬ *Ёшларимизнинг меҳнат зафарлари тўғрисида ажойиб йилномалар ёзиш мумкин.* С. Йўлдошев, Шонли йўл. *Менгина эмас, полк мирзалари ҳам ҳар бир аскарнинг тарихини баён қилиб берувчи йилнома қолдирмаганлар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЙИЛНОМАЧИ Солнома тузувчи, тарихни ёзиб борувчи; солномачи. *..тарих холис йилномачи тарзида ўз саҳифаларига яхши ишларнигина ёзиб қўя қолмайди.* Газетадан.

ЙИЛТ: **йилт этмоқ** Учқун сингари кўзга ташланмоқ; йилтилламоқ. *Тун қоронғи эди. Осмонда йилт этган юлдуз кўринмасди.* С. Анорбоев, Оқсой. *..йўлнинг уфқида бир нима йилт этди, сўнгра бир нечта қора нуқта кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЙИЛТИЛЛАМОҚ Йилт-йилт нур сочмоқ, йилт-йилт қилмоқ; йилтирамоқ. *Қоронғи тунда юлдузлар йилтилларди. Узоқдан йилтиллаб ўт кўринади.* ▬ *Лабларда махорка чўғи йилтиллайди, чекка-чеккада маъноси англашилмаган қандайдир гурунг.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Меҳмонлар кўчага чиққанда, атроф зим-зиё, юлдузлар улкан чодирга қадалган беҳисоб чироқлардек йилтилларди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ЙИЛТИРАМОҚ *қ.* **йилтилламоқ.** *Чумчуқлар.. томларнинг бўғотларига қўниб, йилтираган офтоб нурига ўзини тоблайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЙИЛТИРОҚ Нур қайтариб ёки нур сочиб турадиган, жилоланиб кўринадиган; йилтирайдиган; ялтироқ. *Ҳовуз бетига кумушдай йилтироқ танга балиқлар чиқиб, нон ушоқларини илиб кета бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Йилтироқ тошларда қуёш шуъласи..* Ж. Жабборов.

ЙИЛЧА 1 Тахминан бир йил. *Бу воқеага бир йилча бўлди.*

2 Йил қадар, йилга тенг. *Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми ҳай-ҳай..* С. Зуннунова.

ЙИЛҚИ 1 Отлар подаси; отлар; уюр. *Барчин.. отасининг тўқсон тўқай йилқисидан ўн отни сайлаб олди.* «Алпомиш». *Йилқи, пода, сурувлар дард кўрмай ўсса дейман.* Қ. Муҳаммадий.

2 Умуман, от. *Бирови йиллаб сақлаган йилқи мойи топиб келиб, тўпиғимни силайди..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙИЛҚИБОН Йилқи боқувчи. *Аллонбийнинг йилқибони бўлган Элгелди.. Сулувини отга мингаштириб, яйловдан яйловга кезарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ЙИЛҚИБОҚАР *айн.* **йилқибон.**

ЙИЛҚИЧИ I **1** Йилқичилик билан шуғулланувчи, йилқи етиштирувчи. *..гўштдан бир-икки чимдиб, ўз навбатида, бош йилқичи Сулаймон оқсоқолга яқинроқ суриб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Йилқибон, йилқибоқар. *Бойбўрининг Қултой деган йилқичи қули бор эди.* «Алпомиш».

ЙИЛҚИЧИ II Балиқчиларга мансуб, ҳашаротлар билан овқатланадиган, саҳрода яшовчи тунги қуш. *Аҳён-аҳёнда йилқичи қушнинг «ғақ-қу»лаган товуши эшитилади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ўзбекистонниинг жанубига йилқичилар мартнинг ўрталарида учиб келади.* «Ўзбекистон ҳайвонлари».

ЙИЛҚИЧИЛИК 1 Чорвачиликнинг йилқи етиштириш (урчитиш, кўпайтириш, зотини яхшилаш ва б.) билан шуғулланадиган тармоғи. *Йилқичилик хўжалиги. Йилқичиликни янада ривожлантирамиз.*

2 Йилқи боқиш иши; йилқибоқарлик. *Икромнинг дадаси илгари йилқичилик қилган эди, шу киши ёрдам берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙИЛҒА *айн.* **жилға**. *[Ўктам] Фронтда.. ўқ дўллари орасида дарёларни, неча-неча йилғаларни сузиб ўтган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЙИПРАНМОҚ *кам қўлл.* Эскириб титилмоқ. *Баъзи қоғозларнинг четлари йипранган, доғ-дуғ тушган.* Ойбек, Навоий.

ЙИРГАМЧИК Киши йирганадиган, кишининг кўнгли тортмайдиган; жирканч, ифлос. *Йиргамчик овқат.*

ЙИРГАНМОҚ Ҳазар қилмоқ, жирканмоқ. *Шу овқатдан йирганади.* ▬ *-Бойларнинг дарди олтину кумуш, мисоли итпашшадай ёпишасиз унга, йирганаман бойларнинг нафсидан, хасислигидан, — деди Зумрад бойга.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЙИРГАНЧ *қ.* **жирканч.** *Фаҳшлар қўйнида йирганч парвариш Кўрган сояпарвар илмилиқ бадан.* Ғ. Ғулом.

ЙИРИК 1 Ҳажми, ўлчамлари, қиймати жиҳатидан нисбатан катта; *зид.* **майда**. *Йирик марварид. Йирик гуруч. Йирик томчи. Йирик олма. Йирик пул.* ▬ *Аҳмад танбал қаҳр билан ўрнидан турди ва йирик тишларини иржайтириб қўшиб қўйди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Дарахтлар пакана, меваси мўл ва йирик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оқшом тушиб, ташқари қоронғилашиб қолган, гупиллатиб йирик-йирик қор ёғар эди.* Газетадан

2 Катта куч-қудрат ва имкониятларга эга бўлган, кўлами кенг; катта. *Йирик корхона. Йирик хўжалик.* ▬ *«Зомин» ғаллачилик хўжалиги ҳудудида йирик сув омбори қуришга киришилди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бугунги Тошкент — йирик саноат, фан ва маданият марказларидан бири.* «Саодат».

3 Эътибори, аҳамият даражаси юқори, ортиқ бўлган; катта. *Йирик анжуман.* ▬ *Мамлакатимиз ҳаётидаги бирон-бир йирик воқеа йўқки, унда халқлар дўстлиги, биродарлиги намоён бўлмаган бўлсин.* Р. Файзий, Таъзим. *Боболаримизнинг табиий фанларни тараққий эттириш борасидаги муваффақиятларининг сири эса фанда йирик кашфиётлар яратишдек мушкул ва машаққатли иш бўлиб қолди биз учун.* С. Кароматов, Олтин қум.

4 Ўз иши, фаолияти ёки таъсири билан кўзга кўринган, шуҳрат-обрў қозонган; атоқли; нуфузли. *Йирик мутахассис. Йирик одам. Йирик адиб.* ▬ *Собирни бунга дадаси — йирик математик Султонов ундаган эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Хадича Сулаймонова ажойиб инсон, йирик жамоат арбоби, яхши она эди.* «Саодат».

Иш(лар) йирик Иш юришган, ҳар жиҳатдан муваффақиятга эришилаётган ҳолатни билдиради. -*Ҳозир унинг* [*Омоннинг*] *иши йирик. Абдулла қорақошга шогирд тушган, уйига сув ташиб, от боқиб юрибди, — деди Туроббий Шум болага.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *..анов хуржунда гўшт, мой бор, гуруч бор. Кечқурун паловни дўндирасиз. Эртага қўй сўямиз. Ишлар йирик.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Йирик пул** *с.т.* Катта суммадаги пул.

ЙИРИКЛАМОҚ Майдаларни қўшиб яхлитлаштирмоқ, йириклаштирмоқ, йирик қилмоқ. [*Аъзам*] *Ишни шу хотинидан яшириб юрган пулини йириклашдан бошлади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЙИРИКЛАШМОҚ Ҳажм, ўлчам ва ш. к. жиҳатдан йирик бўлмоқ, йирик ҳолат касб этмоқ. *Тўғри, хўжаликлар йириклашиб кетган.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

Иши йириклашмоқ Омади келмоқ, иши юришиб кетмоқ.

ЙИРИЛМОҚ Йирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Лайлакнинг (Қарғанинг) юришини қиламан деб, чумчуқнинг чатаноғи йирилибди.* Мақол. ▬ *Эркабой ўтган жойдан сакрайман, деб бутимиз йирилмасин [деди Фозилжон Саидга].* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ЙИРИНГ Тўқималарнинг яллиғланишидан ҳосил бўладиган сарғиш-кўк рангли, ёмон ҳид тарқатадиган суюқлик; фасод.

Йиринг бойламоқ 1) газак олиб, йиринг ҳосил қилмоқ; йирингламоқ. *Яра йиринг бойлади*; 2) *кўчма* авж олмоқ, зўраймоқ. [*Усмонжоннинг*] *Болалигида қалбида бўртган алам яраси йилдан-йилга йиринг бойлаб, фасод йиға бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЙИРИНГЛАМОҚ Йиринг ҳосил қилмоқ, ҳосил бўлмоқ; йиринг олмоқ, йиринг бойламоқ. *Оёқларидаги занжирнинг сиқувини ҳам, елкасидаги йирінглаб кетган чуқур яранинг оғриғини ҳам унутган темирчи.. энтикиб, "озод" деган сўзни такрорлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЙИРИНГЛИ Йиринг бойлаган, йирінглаган; йиринги бор. *Қадим замонда бир император лабига чиққан йирингли ярадан азоб чекарди.* «Фан ва турмуш».

ЙИРИҚ Йирилган, ёриқ жой, ёриқ. *Тахта деворнинг йириғидан қарамоқ.*

ЙИРМОҚ Икки томонга кериб, орасини очмоқ, икки ёққа ажратмоқ. *Бола қушнинг тумшуғини йириб, оғзига дон солди.* ▬ *Фашист бўғзига тобора чуқурроқ ботаётган Алижоннинг темир панжаларини йириб ташламоқчи бўлиб уринар эди.* С. Анорбоев, Дўстлар. *Дўстим Сардор жуда чарчаган бўлса-да, бирмунча вақтгача кўзларини йириб очиб ётди.* М. Осим, Элчилар.

ЙИРМОЧ Тўн, чопон этагининг икки ёнидан учбурчак шаклида қийилган жойи.

ЙИРОҚ 1 Оралиқ масофаси катта; узоқ, олис. *Йироқ ўлкаларда кезарди сайёҳ, Кезарди юртига кўзини тикиб.* А. Орипов. *Унга* [*Марямга*] *бир ярим минг сўм пул керак, шуни топади, сўнгра йироқ бир мамлакатга кетади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Чиқиш келишигидаги сўз билан қўлланиб, киши ёки нарсада шу сўз билдирган нарсанинг йўқлиги, даҳли йўқлиги, алоқасизлиги маъносини ифодалайди. *Фандан йироқ одамлар улардан ажабтовур гаплар, мулоҳазали фикрлар кутадилар.* Газетадан. *Дунёда муҳаббатдан йироқ ҳисларнинг, Йироқ туйғуларнинг ўлгани яхши.* Қ. Раҳимбоева. *Бир тундаёқ етишди озод ўлкага. Жабр, зулмдан йироқ обод ўлкага.* Ғайратий.

Кўздан йироқ Кўринмайдиган ҳолатда, кўздан пана. *Қаллиқлар одамларнинг кўзидан йироқда яширинча учрашиб юрар эдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Осмон йироқ (***ёки* **узоқ), ер қаттиқ** Ҳаёт (турмуш)даги чорасиз ҳолатни, иложсизликни ифодалайди. *..лекин одамзод жонига теккан нарсадан қутулиш йўлини билмаса, осмон йироқ, ер қаттиқ бўлади, унга кўникади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЙИРОҚ-ЁВУҚ *айн.* **узоқ-яқин.** *Бир соатдан сўнг, йироқ-ёвуқдан тўйга даъват қилинганлар кела бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИРОҚЛАШМОҚ *айн.* **узоқлашмоқ**. *Машина кўздан йироқлашди.* ▬ *У шаҳардан йироқлашиб, қишлоққа яқинлашган сайин, кўнгли ҳавойи туйғулардан сармаст чайқалар эди.* С. Сиёев, Аваз.

ЙИРТИШ 1 Йиртмоқ фл. ҳар. н.

2 *этн.* Марҳумни кўмиш маросимида қатнашган кишиларга ва унинг яқинларига бериладиган бир бўлак рўмолчабоп мато; дурра; оқлик. *Жаноза намози ўқилиб, йиртиш ва исқотлар бўлинди.* С. Айний, Дохунда. *Маросимга етиб келган.. оддий фақирларга йиртиш улашилмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЙИРТИҚ 1 Йиртилиб кетган, йиртилган. *Иштонсиз (одам) тиззаси йиртиққа кулар.* Мақол. ▬ *Ҳамманинг кўзи Раҳимнинг тирсаги чиқиб турган йиртиқ енгига тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Эгнида отигина қолган жулдур яктак, йиртиқ иштон, оёқлари яланг..* М.Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг узилиб, юлиниб, очиқ қолган жойи. *Аксарининг устибоши юпун, маҳсиларининг йиртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради..* Ойбек, Танланган асарлар. *Осмонни тўлдирган булутларнинг йиртиғидан [қуёш] бирда-ярим кўриниб қолади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Уфқнинг бир парча йиртиғидан улкан, қипқизил қуёшнинг ярми кўриниб, ботиб кетди.* С. Нуров, Нарвон.

ЙИРТИҚ-ЯМОҚ 1 Йиртилавериб кўп ямоқ тушган; жулдур. *Ҳовлида.. ўтин ёраётган йиртиқ-ямоқ тўнли бир йигит Элмуродни имлаб чақирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Йиртилган кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ ва ш. к. ҳамда уларни тикиш, ямаш ишлари. *Анзират хола йиртиқ-ямоқ.. билан машғул бўлиб, кечгача Сидиқжоннинг олдидан жилмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЙИРТМОҚ 1 Газмол, қоғоз ва ш. к. ни узмоқ, узиб бўлакларга ажратмоқ. *Латтани йиртмоқ. Қоғозни йиртмоқ. Кўйлагини йиртмоқ.* ▬ *У [жангчи] бинтнинг учини йиртар экан, офицерга қараб, бир нима деди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *кўчма* Бўлакка ажратмоқ. *Тракторлар ёриб, ерларни йиртиб, кесак қўймайди, майда-майда қирқиб.* Ҳабибий. *Яна бир фаришта қора булутдан бир парчасини йиртиб олиб, тупроқнинг устига сиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бағрини (*ёки* **кўксини**) **йиртмоқ** Қаттиқ азобламоқ, қийнамоқ, эзмоқ. *Айрилиқ савдоси бағрини йиртади.* «Ширин билан Шакар». *Пора-пора йиртди кўксимни ситам, сўрғувчи борми кўнгилнинг зорини.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИРТҚИЧ 1 Жонивор гўшти билан овқатланадиган (ҳайвонлар, қушлар ҳақида). *Йиртқич ҳайвон. Миққий — йиртқич қуш. Қуён йиртқичларга ем бўлди.* ▬ *Лаққа — йиртқич балиқ, у ўзидан кичик бўлган турли жониворлар, балиқлар ва қурбақалар билан овқатланади.* Газетадан.

2 *кўчма* Шундай жониворларга нисбатланган ифода. *..Бобур йиртқичлар орасида кийик бўлиб кун кўра олмаслигини ич-ичидан ҳис қилар, шунинг учун.. бўрилар билан шер бўлиб олишишни истар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Йиртқич фашистларни ўз уясида янчиб ташлаш учун олиб борилган жангларда иштирок этдим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Мен бу уятсиз йиртқич билан ярашмоқ учун умид тутмайман.. [деди Кумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙИРТҚИЧЛИК 1 Ҳайвонларнинг озиқланиш усулларидан бири: бир ҳайвоннинг бошқасини ушлаб ўлдириши ва еб қўйиши.

2 *кўчма* Йиртқичга хос хатти-ҳаракат, иш. *Қўзғолонни бостириш учун юборилган казак солдатларидан иборат махсус жазо отряди кўз кўрмаган.. йиртқичликлар қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЙИТМОҚ *кам қўлл.* Йўқ бўлиб кетмоқ; йўқолмоқ. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оёғидан йитар.* Мақол. ▬ *Бир акам йитиб кетганига етти йил бўлди.* «Эрали ва Шерали».

ЙИҚИЛМОҚ 1 Тик ҳолатини йўқотиб, ер томон тушмоқ; қуламоқ. *Кўкка боққан йиқилар.* Мақол. ▬ *Саид Жалолхон ўрнидан турган эди, гандираклаб йиқилди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Исфандиёрхон.. Авазнинг бетига шапалоқ тортиб юборди. Аваз гандираклади-ю, йиқилмади.* С.Сиёев, Аваз. *Кўчада.. гурсиллаб деворлар йиқилади, шарақлаб дарахтлар қулайди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 Тепадаги жойидан пастга томон қуламоқ. *Дарахтдан йиқилмоқ. Томдан йиқилмоқ.* ▬ *Чавандозлардан бири маррага яқин қолганда, отдан йиқилиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Курашда енгилмоқ, мағлубиятга учрамоқ. *Йиқитган мард эмас, йиқилганни турғизиб қўйган мард.* Мақол. *Йиқилган курашга тўймас.* Мақол.

4 *кўчма* Имтиҳонда ёмон баҳо олмоқ, синовдан ўтолмай қолмоқ. [*Нигора*] *Тошкентга ўқишга келган экан, кимёдан топшира олмай йиқилибди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

5 *кўчма* Ҳокимиятдан маҳрум бўлмоқ, ажралмоқ; ағдарилмоқ; йўқ қилинмоқ. *Мустабид ҳокимият йиқилди.*

ЙИҚИТМОҚ 1 Куч билан қулатмоқ, ағдармоқ; ағнатмоқ, бузмоқ. *Шамол дарахтларни йиқитди. Деворни йиқитмоқ.* ▬ *Чакалакзордан катта-кичик дарахтларни йиқи-*

тиб, мажақлаб чиққан танк.. Аҳмаджон.. томон кела бошлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Баландликдан пастликка тушириб юбормоқ; қулатмоқ. *Томдан йиқитиб юбормоқ.*

3 Курашда ғолиб чиқмоқ, устун келмоқ; куч билан ерга ётқизмоқ. *-Йиқитган полвон йиқилганни кўтариб қўяди, — деди Ўрмонжон Қурбон отага кўз қисиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *кўчма* Куч, зўр билан ҳокимиятдан маҳрум қилмоқ, четлаштирмоқ; йўқ қилмоқ. *Раҳматхоннинг овози йиғин тепасида янграб кетди: -Халқ подшони йиқитди. Лекин халқнинг аҳволи ўзгармади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *кўчма* Имтиҳон, синовда ёмон баҳо қўймоқ; имтиҳондан ўтказмай қўймоқ. *Икки марта дарсга қатнаша олмагани учун француз тили ўқитувчиси уни имтиҳонда йиқитмоқчи бўлди.*

ЙИҚИҚ *кам қўлл.* Йиқилган, бузилган, вайрон. *Мастон хола билан Турсуной йиқиқ деворлардан ўтиб, ҳовлига қадам босганларида, қаршидаги айвонда.. шайхнинг катта гавдаси кўринди.* Уйғун, Турсуной.

ЙИҚМОҚ *кам қўлл.* Йиқитмоқ, қулатмоқ. *Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар.* Мақол. ▬ *Ўроқ ўткир эди. Ўралиб-чаплашиб ўсган қалин майсани* [*Йўлчи*] *«шаршар» йиқиб борар экан, ўзи ҳам завқланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эскини йиқамиз, янгини қурамиз.* Уйғун, Навбаҳор.

ЙИҒИ 1 Ғам-алам, оғриқ, изтироб ва ш.к. туфайли юзага келадиган руҳий ҳолатнинг кўз ёши, ўзига хос товуш билан кузатиладиган ифодаси, шундай ҳолат билан юзага келадиган кўз ёши, товуш. *Кампир йиғидан ўзини тиёлмади. Гўдак йиғиси.* ▬ *Ғуломжон йиғлаб юборди. Унинг йиғиси устига болалар югуриб киришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ичкари уйдан келаётган чақалоқ йиғиси Аҳмаднинг фикрини бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Энди йиғидан фойда йўқ. Бўлди, бас қил.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *этн.* Марҳумни хотирлаб ўтказиладиган аза маросими. *Йиғи бошламоқ.*

Йиғи чиқармоқ Киши вафоти муносабати билан кўпчилик бўлиб, овоз чиқариб, айтиб йиғламоқ. **Шайтон йиғиси** Ёлғон йиғи, мунофиқона кўз ёши. *У буни узатиладиган қизларнинг «шайтон йиғиси» деб тушунади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИҒИЛИШ 1 Йиғилмоқ фл. ҳар. н. *Кеч соат бешда шу ерда йиғилиш керак.*

2 Бирор масала юзасидан тегишли шахсларнинг тўпланиши; йиғин, мажлис. *Йиғилиш қарори. Маҳалла фаоллари йиғилиши. Уруш фахрийлари йиғилиши.* ▬ *Институтда студентларни ишга тақсимот комиссиясининг йиғилиши бўлди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Бугун дарсдан кейин мактабда ота-оналар йиғилиши чақирилган эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЙИҒИЛМОҚ Йиғмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ўқувчилар йиғилди. Пул йиғилди.* ▬ *Тўхта хола кўрпаси йиғилмаган сўрига дастурхон ёзиб, қумғонда чой келтирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЙИҒИМ I Бирор мақсад учун халқдан (хонадон бошига ёки жон бошига) олинадиган ҳақ, пул ёки буюм; солиқ [*Мингбоши:*] *Беш йилдан бери ўлпонни бермайсан, солиқни тўламайсан, йиғим деса, жонинг бўғзингга келади, ўлакса.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЙИҒИМ II Банк ва унинг тармоқларида мижозларга кўрсатиладиган пул муомаласи хизмати учун олинадиган ҳақ. *Ўн бир мамлакат фуқаролари — банкларнинг мижозлари — ўз омонатларини еврога ўтказиш имкониятига эга бўлдилар, бинобарин, бунинг учун улардан ҳеч қандай комиссион йиғим олинмайди.* Газетадан.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ Ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари, мавсуми. *Пахта йиғим-терими. Жамоа хўжаликлари йиғим-теримга киришдилар.* ▬ *Йиғим-теримни олганимиздан кейин бошласак, совуқ тушмай битирамиз.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЙИҒИН 1 Кишиларнинг фикр олишуви ёки бирор масалани ҳал қилиш учун тўпланиш; йиғилаш, мажлис. *Ниёз қушбеги сўзлаб, йиғиннинг мақсади билан аҳли мажлисни таништира борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бош муҳаррир катта йиғинларда, мажлисларда қатнашавериб, халойиқ ўртасида ўзини тутишга уста бўлиб кетган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Кишиларнинг бирор маросим, зиёфат муносабати билан ёки ўзаро суҳбатлашиш, кўнгил очиш учун тўпланиши; йиғилиш. *Билдимки, бугун уйимизда бир йиғин бўлади.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан. *Шундай қилиб, бу қиёмат йиғин кеча ярим бўлганда гув-гув билан тарқалди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЙИҒИНДИ 1 Бир турли нарсаларнинг бир жойга тўпланган ҳолати, тўплами, мажмуи. *Қонунлар йиғиндиси. Қарорлар йиғиндиси.* ■ *Ҳар қандай материя алоҳида доналар йиғиндисидан тузилади.* «Қизиқарли геохимия». *Шовқин ҳар хил куч даражасидаги товушлар йиғиндисидир.* Газетадан. *Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тузсиз сўзлар йиғиндисидан бошқа нарса ҳам эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *мат.* Икки ёки бир неча соннинг қўшилиш натижаси, ўзаро қўшилган сонлар мажмуи. *Уч, олти ва ўн бир сонларининг йиғиндиси йигирма бўлади.*

ЙИҒИНЧОҚ 1 *сфт.* Саранжом-саранжомтали, тартибли; ихчам. *Йиғинчоққина уй. Йиғинчоқ бир ҳовли.* ■ *Янги топшириқ Рауфни янада йиғинчоқ ва илдам қилиб қўйди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 *от, кам қўлл.* Йиғин, йиғилиш жойи. *Ҳиротдаги бекзода, вазирзодаларнинг кечки базмларига, йиғинчоқларига бориб, куйи, сози билан ўлтиришни қизитиб, ўз қорнини тўйдирар эди.* Ойбек, Навоий. *Жўралашган ҳаётнинг йиғинчоқлари чойхоналаримиз бўлсин.* Ғ. Ғулом.

ЙИҒИЧИ 1 *айн.* **йиғлоқ, йиғлоқи**. *Ўзинг ҳам ўлгудай йиғичи бўпсан.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

2 *этн.* Азада айтиб йиғловчи аёл.

Бош йиғичи Азада йиғи бошловчи, бошқаларни эргаштирувчи аёл, гўянда. *Турсуной ва Шарофатхон қайнонанинг ўлимига ичдан ғоят севинган бўлсалар ҳам, овозларига чўзиқ, қалбаки мотам оҳанги бериб, бош йиғичига жўр бўлишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИҒИШ 1 Йиғмоқ фл. ҳар. н. *Одамларни йиғишга буюрди.*

2 *қ.* **йиғув.**

ЙИҒИШТИРМОҚ 1 Ёйиқ, чочиқ нарсаларни бир жойга тўпламоқ; йиғмоқ. *Баъзилар зиналарга сочилиб қолган ғишт бўлакларини, кесакларни дарҳол йиғиштириб олиб ташлардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Солиҳ иш вақти тугашига икки соат қолганда нарсаларини йиғиштирди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Йиғиб-териб олмоқ, (деҳқончилик, дала маҳсулотлари ҳақида). *Ақл-заковат билан иш тутиб, теримни нечоғлиқ тезлаштирсак, ҳосилни шунча тезроқ йиғиштириб оламиз.* Газетадан. *Деҳқоннинг олтинпази пахта теради, соҳибкори узум узади, қовунчиси полиз йиғиштиради, молбоқари хашак жамғаради.* Газетадан.

3 Жам ҳолга келтирмоқ. *Кўчларингни йиғиштир! Аравани қўш! Қувага жўнагаймиз.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Ишлатилган, фойдаланилган нарсаларни ётган (турган) жойидан йиғиб олмоқ, ўрин-жойни тартибга келтирмоқ, тозаламоқ, саранжом-саришта қилмоқ. *Отабек киргизилган Ҳасаналининг уйи Ойбодоқ она томонидан тозагина йиғиштирилиб.. асбоб-жиҳозлар билан зийнатланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ташқари ҳовлида ҳамма уйларни йиғиштирдим, кўрпачаларни ҳовлига олиб чиқиб қоқдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *У ёқ-бу ёғингни йиғиштир, меҳмон келади.* С. Зуннунова, Янги директор.

5 Тартибли ҳолатга солмоқ, эпақага келтирмоқ (ўзини ёки ўзидаги бирор нарсани). *Бошяланг, сочини яхшигина йиғиштириб қўйган.* Ойдин, Ҳикоялар. *Жувон.. рўмолини олиб ўради, этакларини йиғиштириб ўрнашиб ўтирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қачондан бери сипо бўлиб қолдинг? Қизлардан гап кетса, оғзингни йиғиштириб ололмасдинг-ку!* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

6 Бас қилмоқ, барҳам бермоқ. *Мен шотида ўтириб китоб ўқишни ҳам, овга чиқишни ҳам йиғиштириб қўйдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Аҳмад иш топишдан умидини узиб, редакцияларга учрашни йиғиштириб қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ *қ.* **дов-дастгоҳ. Тахта-ўқлоғини йиғиштирмоқ** Бирор иш-фаолиятни тўхтатмоқ. *«Повуркон» (фабрика) моллари ҳамма ёқни тўлдириб, косибларнинг бозорини касод қилганлиги, иши чиппакка чиққан косиблар бирин-кетин тахта-ўқлоғини йиғиштираётганлигини тасвирлаб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Эсини** (*ёки* **эс-ҳушини**) **йиғиштирмоқ** Эс-ҳушини жойига келтирмоқ, фикр-хаёлини тўғри йўлга солмоқ. *Ҳамза эс-ҳушини йиғиштириб олиб, қоғозни буклоғидан ёзди-да, унга кўз югуртириб, шу сўзларни ўқиди..* К. Яшин, Ҳамза. *Ёлғизжон аввал гумбурлаган овозни эшитди.. эсини йиғиштиришга уринди, аммо мадори етмади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Эс борида этакни йиғиштирмоқ** (*ёки* **ёпмоқ**) Эс борида, ўз вақтида айбли (номақбул) иш-

ларга барҳам бермоқ. *Шуни билиб қўйингки, ишларингизнинг охири вой! Тезда этагингизни йиғиштириб олинг!* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЙИҒИҚ *кам қўлл.* **1** Йиғиб тўплаб қўйилган, тўплоғлик. *Йиғиқ соч. Йиғиқ барглар.*

2 Йиғинчоқ, йиғноқ; ихчам. *Йиғиқ фикр.*

Йиғиқ гап *тлш.* Бош бўлак (эга ва кесим)дангина тузилган гап.

ЙИҒИҚЛИК Йиғиб қўйилган, йиғиқ ҳолатли. *Ўгай қизининг сўзларидаги қатъиятдан чўчиган Лобар супадаги йиғиқлик ўринни мастликдан қизарган кўзлари билан кузатиб бўшашди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЙИҒЛАМОҚ 1 Йиғи қилмоқ (*қ.* **йиғи**). *Ачиниб йиғламоқ. Пиқ-пиқ йиғламоқ. Ув тортиб йиғламоқ. Ўкириб йиғламоқ. Ҳўнграб (ҳўнг-ҳўнг) йиғламоқ.* ▬ *Энди онага қўшилиб қиз йиғлар, қизга қўшилиб она йиғларди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Бола ҳануз чирқираб йиғлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Айтиб йиғламоқ *этн.* Марҳумга куйиниб, юрак сўзларини айтиб йиғламоқ, уни мадҳ этиб йиғламоқ. **Аччиқ-аччиқ йиғламоқ** Аччиқ-алам билан йиғламоқ. *Кеча унинг уйидан хотин кишининг аччиқ-аччиқ йиғлаган товуши эшитилди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Зор йиғламоқ** Зорланиб йиғламоқ. *Бола: «Дадам, дадам!» деб зор йиғларди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йиғлаб кўриш(а)ди** *с.т. кест.* Жуда монанд, мос келди, жуда ҳам ярашди. *Тўн йиғлаб кўришди.* ▬ [*Ҳотам:*] *Қани, совимасин* [*рюмкага қуйиб*]. *Бу жонивор кабоб билан йиғлаб кўришади. Қитдай-қитдай ютайлик.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Юм-юм йиғламоқ** Қаттиқ кўз ёши тўкиб йиғламоқ. *Ачахон юм-юм йиғлаб, онасининг пешонасини силарди.* К. Яшин, Ҳамза. **Қон йиғламоқ** Ниҳоятда алам-изтироб билан йиғламоқ. *Холанинг оғир юрак яраси янгиланар, қон йиғлаган қайғули куни ёдига тушар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *кўчма* Нолиш қилмоқ. *Узоқ-узоқларда мусиқа йиғларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЙИҒЛАМСИРАМОҚ Йиғлаш даражасига етмоқ; йиғлагандай бўлмоқ. *Жўрахон йиғламсираб жавоб қилди. Унинг бу холати хафа қилинган.. қизнинг аразига ўхшар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Мен ўзбошимчалик қилганим йўқ, — жавоб берди бола йиғламсираб.* Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун.

ЙИҒЛОҚ Бўлар-бўлмасга йиғлай берадиган; кўп йиғлайдиган; йиғлоқи. *Йиғлоқ одам жангчи бўла олмайди-а, дада?* «Гулдаста». *Мўмингина, ювошгина бўлган Бахтиёр бора-бора салга чўчийдиган, йиғлоқ бўлиб қолди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЙИҒЛОҚИ 1 *айн.* **йиғлоқ**. *Оналар инжиқ, йиғлоқи болаларини «гапимга кирмасанг, чакалакзорга элтиб ташлайман» деган пўписа билан тийиб келишган.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Йиғи товушига ўхшаш, йиғи каби. *Бозоринав масжидининг пастаккина мезанасига чиқиб, шом азонини айтган сўфининг йиғлоқи овози уни ўзига келтирди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Маҳкам нималигига тушунолмас, ҳар қалай, бу ашула эмас, қандайдир йиғлоқи нолиш эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

3 *кўчма* Кишини эзадиган; мунгли (куй, оҳанг ва ш. к. ҳақида). *Мунгли булбулдай Ингради тинмай, Бағрим эзарди, Борлиқни ёқиб Йиғлоқи сурнай.* Ғ. Ғулом. *Ёзармидим йиғлоқи байтни, Титрармидим кўзда ёш билан?* А.Орипов. *Бу қўшиқларнинг* [*насиҳат қўшиқлари*] *бадиий савияси паст ва оҳанги йиғлоқи.* Ў. Рашид, Қўшиқлар ҳақида.

ЙИҒЛОҚИЛИК Бўлар-бўлмасга йиғлаш, шундай характер, хусусият. *Йиғлоқилик сизга ярашмайди.* И. Раҳим, Тақдир. *Эсдан чиқарманг, опа.. Йиғлоқилик кетмайди!* Ш. Холмирзаев, Қайтиш.

ЙИҒМА *сфт.* **1** Фойдаланилмайдиган пайтда йиғиб-тахлаб қўйиладиган, йиғиладиган. *Йиғма курси.* ▬ *Бу ерда [палаткада] уч йиғма койка бир-бирига тақаб қўйилган эди.* А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда. *Бир неча киши машиналардан ғириллатиб кўтарилган йиғма нарвонлардан бино томларига чиқа бошлади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Чўлда икки ва бир хонали йиғма уйлар қурилди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Турли қисм ёки элементлардан йиғилган, бир бутунни ташкил қиладиган; терма. *У яқинроқ бориб, эълон тагидаги рўйхатни кўрди: «Қишлоқ ўқувчиларининг ёзги йиғма отряди». Унда йигирмадан ортиқ боланинг номи ёзилган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ёшларнинг вакиллари йиғма оркестр садолари остида стадион майдонини айланиб чиқишади.* Газетадан.

ЙИҒМОҚ 1 Турли жойдаги шахсларни ёки нарсаларни бир жойга келтирмоқ;

тўпламоқ. *Бошлиқларни йиғмоқ. Тўкилган олмаларни йиғмоқ.* ▬ *Мана, Назира хола ҳам, Шаҳодат хола ҳам келишди. Яхши бўлди. Ўзим ҳам сизларни йиғиб, икки оғиз гаплашмоқчи эдим.* А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди. *Талъат синфдош дўстларини йиғиб, уйида зиёфат қилмоқчи эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Эл оғаси — доноларни йиғинглар..* «Юсуф ва Аҳмад». *Иккаламиз сизларнинг яшаш объектларингиз ҳақида маълумотлар йиғяпмиз.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Териб, ўриб ва б. йўл билан олиб тўпламоқ; йиғиштирмоқ. *Ҳосилни йиғмоқ.* ▬ *У ёз бўйи Мансур учун атайлаб ялпиз, сариқбош, исириқ, яна аллақанақа гиёҳларни йиғиб юрарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Бирор нарсани маълум вақт жараёнида бир-бир топиб тўпламоқ; жамғармоқ. *Пул йиғмоқ. Мол йиғмоқ.* ▬ *Бисот йиғмоқчидирлар балки?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ахир одамларга меҳр-шафқатли бўлишни Ҳамзага шу ота таълим берган, қолаверса, нега бунчалик китоб йиғмаса.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Жам ҳолга келтирмоқ; йиғиштирмоқ. *Ҳозир нарсаларни йиғинглар, яхшилаб нонушта қилиб олинглар, юқорига кўтариламиз.* С. Кароматов, Олтин қум.

5 Йиғинчоқ, тартибли ҳолатга келтирмоқ. *-Кел, Нуриой! — Салимбойвачча оёқларини йиғиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 *тех.* Қисмларни ўзаро бириктириб бутун ҳолга келтирмоқ. *Тракторни йиғмоқ.*

7 *кўчма* Маълум бир нуқтага қаратмоқ, тўпламоқ, марказлаштирмоқ (хаёл, ақл, куч ва ш. к. ни). *Степан эсини йиғиб, ўрнидан турди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ҳакимжон шу суҳбатдан сўнг ўзининг хом ва чувалашган фикрларини пишитди, бир орага йиғди.. ўша кундан бошлаб унинг ҳамма нарсага қараши бошқа бўлди!* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *..бор кучимни йиғиб чопдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

8 Иш, ҳаракат, фаолият ва ш. к. ни тўхтатмоқ, йиғиштирмоқ. *Шокир ота ишни йиғди, кўзойнагини олиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИҒНАМОҚ *шв.* Йиғмоқ, тўпламоқ. *Эртасига ўроқчилар қуруқ пичанларни тўп-тўп йиғнай бошладилар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қўзичоғим қўйлар бўлғай, Йиғнаганим тўйлар бўлғай.* «Бойчечак».

ЙИҒНОҚ 1 Йиғинчоқ, ихчам.

2 *шв.* Йиғиш, йиғин. *Ҳисобот-сайлов йиғилишининг ўтганига бир ой бўлмасдан, яна бир йиғноқ чақирилди.* «Муштум».

ЙИҒУВ Йиғиш ишлари. *Йиғув цехи. Трактор йиғув заводи.*

ЙИҒУВЧИ 1 Йиғмоқ фл. сфдш. [*Отабек ва Али*] *Дастурхонни йиғувчи келинчакка ўғил тилаб дуо қилганларидан кейин, қўлига ўттиз чақа сурма пули бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Деталь ёки қисмлардан яхлит машина ясовчи мутахассис. *Йиғилиш трактор йиғувчилар ташаббусини маъқуллади.* Газетадан.

ЙОГ Йога тизими ва таълимоти тарафдори; йога усулида шуғулланувчи (*қ.* **йога 2**).

ЙОГА [*санскр.* «қўшилиш», «бирлашиш»; «тиришиш»] **1** Ҳинд фалсафасининг 6 та собитқадам («Ведалар»ни тан олувчи) тизимларидан бири; материя билан руҳни қарама-қарши қўяди.

2 Киши руҳияти ва физиологияси (нафас олиш, қон босими, модда алмашинуви, уйқу ва б.)ни (муайян жисмоний машқлар воситасида) бошқариш ҳақидаги таълимот ва метод (усул); Ҳиндистон диний ва фалсафий тизимларининг «халос бўлиш» ҳолатига эришишни мақсад қилиб қўювчи таркибий унсури.

ЙОГУРТ, йўғурт [*ингл.* yoghurt < *турк.* yogurt, *т.-тат.* یوغرت — қатиқ] Жем, мева консерваси, шоколод, какао ва б. қўшимча (тўлдиргич)лар аралаштирилган, қаймоқли кремга ўхшаш сут-қатиқ маҳсулоти (оддий ивитилган қатиқ, кефир ва б.).

ЙОД [*лот.* iodum < *юн.* iodes — бинафша рангли] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, асосан денгиз ўсимликларидан олинадиган тўқ кулранг кристалл модда ва унинг тиббиётда қўлланадиган, спиртдаги жигарранг эритмаси. *Тик турганча, бармоғимга йод суриб, бинт билан боғлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙОДЛАМОҚ Буқоқ касаллигининг олдини олиш мақсадида сув, туз ва б. озиқ-овқат маҳсулотларига йод қўшмоқ, йод аралаштирмоқ, йод билан тўйинтирмоқ. *Ош тузини йодламоқ. Сувни йодлаш.*

ЙОДЛИ Йод қўшилган; таркибида йод бўлган; йод билан тўйинтирилган. *Йодли ичимлик суви.*

ЙЎЙМОҚ Бирор нарса, ҳодисанинг сабаб ёки моҳияти, асосини ўзича талқин эт-

моқ, таъбирламоқ, нима биландир боғламоқ, ўшандан деб ўйламоқ, ҳисобламоқ. *Тушни яхшиликка йўймоқ.* ▬ *Она ўғлидаги сабрсизликни кўриб, ўқишга меҳр қўйганлигига йўйди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Одатда одамлар туш кўриб, уни бошқа бир бўлажак ҳодисага йўядилар.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Бироқ бу ҳолни куннинг совуғига йўйиш, тинчи бузилган одамнинг инжиқлиги билан таъбирлаш ҳам мумкин.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЙЎЛ 1 Одамлар, жониворлар ва б. нарсалар қатнови натижасида ер сатҳида из босилиб ҳосил бўлган узун, давомли қисм, қатнов қисми. *Сўқмоқ йўл. Қирдаги ҳар томонга кетган йўллар.* ▬ *Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғуной тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Чўлнинг йўли ингичка..* «Бойчечак». *Довон орқали.. битта от йўли бор, холос. Шу тор йўлдан Афғонистонга ўтса ҳам бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Умуман, кишилар ёки транспорт қатнови учун махсус белгиланган ер бўлаги. *Автомашина қатнайдиган йўл. Асфальт йўл. Тош йўл. Узоқ йўл.* ▬ *Машина йўлини кесиб ўтаётган подага сигнал берганда, чўчиб ўзига келди-ю, атрофга қаради.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Меҳмонхона ёнидаги ер ости йўлидан ўтиб, гулзор майдонга чиқишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Кема ва самолётлар қатнаши учун махсус белгилаб қўйилган йўналиш, трасса. *Сув йўли. Ҳаво йўли.*

4 Йўналишдаги ҳаракат жараёни, йўлда давом этаётган юриш. [*Хотин*] *Кумушга қараб давом этди: Ану кунги сўзингиз билан, йўлдан қайрилиб кирган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўрмонжон йўл бўйи гапирмади..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мен унинг учун бир зиёратчи, назрини бераман-у, йўлимга кетавераман.* К. Яшин, Ҳамза. *-Зарари йўқ, — деди Меъмор. — Буни йўл машаққати деймиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Юриш, қатнов йўналиши. *..биров “Хотинингни уканг никоҳлаб олди, уйга бормай қўя қол!” деган экан, у ҳам йўлни бошқа ёққа солдириб кетибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Бирор жой, маконга саёҳат ёки бошқа мақсадда қилинадиган юриш; сафар. *Йўл анжомлари. Йўлга ҳозирланмоқ. Йўлга чиқсанг, йўлдошинг бўлсин.* Мақол. ▬ [*Отабек*] *Бу сўроқни ўз-ўзига ҳам бериб кўрмаган, гўё бурунгидек Марғилон йўлига ошиқиб ҳозирланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шоҳ Машраб йўлга чиқсалар, худонинг қудрати билан, ернинг таноби тортилиб, йўл қисқарар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Босиб ўтиладиган оралиқ; масофа. *Бундан буён мотоцикл йўлингизни яқин қилади.* С. Анорбоев, Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари. *У Миён Қудрат ҳазратни зиёрат қилиш учун озмунча йўлни пиёда босиб келдими?* К. Яшин, Ҳамза.

8 Маълум бир транспорт воситаси учун йўналиш қурилмаси. *Темир йўл. Трамвай йўли.* ▬ *Поезд йўли майда тош, Бойнинг қизи қаламқош.* «Бойчечак».

9 Айрим нарсаларнинг йўналиш чизиғи, жой оралиғи. *Нафас йўли. Сийдик йўли. Хас-хашаклар сув йўлини тўсиб қўйибди.*

10 Бирор нарсага, юзага тортилган, туширилган чизиқ, из. *Бир йўли оқ, бир йўли мошранг беқасам.* ▬ *Эшикда тиккасига оқ ва қора йўллардан иборат пижама кийган, бошяланг Азимбоев кўринди.* «Гулдаста».

11 Қатор, сатр; мисра. *Бир неча йўл хат.* ▬ [*Анвар Раънога:*] *Менинг ёзганимни сен уят қилмасанг, мен ҳам сенинг ёзганингни уят қилмайман. Лекин шарт шуки, менинг икки йўлимга жавоб бўлсин.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

12 *кўчма* Бирор нарсанинг йўналиш, келиш-кетиш оқими, йўналиши. *Ҳаёт ўз йўлидан борар, баҳор болаларга ўз қувончи, ўз шодликларини сахийлик билан тақдим этган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳамза ҳақиқат йўлидан, маърифат йўлидан, Фурқат васият қилган йўлдан боради.* К. Яшин, Ҳамза.

13 Фаолиятда амал тарзи, қилинадиган, тутиладиган иш-амал. *Ҳозир сенларга икки йўл: ўғил, қизингни сотиб бўлса ҳам, ўттиз икки тангани Азизбек хазинасига тўлаш ёки эс борида этакни ёпиб, Азизбекни орадан кўтариш..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тақдирдан шикоят қилмадим сира, Сизга ҳам шу йўлни маслаҳат кўрдим.* Шуҳрат. *Иккисининг йўли ҳам гумроҳликдан бошқа нарса эмас. Бири йиғиб ўлган, бири еб ўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

14 Куй, қўшиқ ва ш.к. да ўзига хос усул. *Орзую армонимни шеърий йўлда қайтадан*

Сўзлаб турибман, балки ёшлик бўлиб баҳона. А. Орипов. *Зеби кириб, майда йўллардан бирини олди. Дуторнинг овозига эндигина ўз овозини қўшаман деганда, ташқаридан мингбошини чақирдилар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

15 Имкон чораси. *Ҳеч бўлмаса, жонни сақла эди сен, Бир йўл топиб қочмоқ керак бу элдан.* Ҳ. Олимжон. *Содиқжон бойвачча чангалига тушган қизнинг кимлигини билгиси келди. Аммо сўраб билишнинг ҳозир асти йўли йўқ эди.* К. Яшин, Ҳамза.

16 *кўм. взф.* (асосан ў.-п. к. да — **йўлида**) Сабаб, мақсад каби маъноларни билдиради; бора(си)да, учун. *Кимики халқ йўлида, халқ ғамида тер тўкса, қўли ҳамма ерда баланд бўлсин..* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шунинг учун ҳам сенга етишмоқ йўлида жонни хатарга қўйиб, кеча-кундуз югурганманда..* К. Яшин, Ҳамза. *Ўқувчиларни жўшқин меҳнат фаолиятига тайёрлаш йўлидаги изланишларимиз ҳозирнинг ўзида ўз самарасини бермоқда.* Газетадан.

Йўл бермоқ 1) ўтиб кетиш учун йўлни бўшатмоқ. *Мансур пастак эшикни очиб, Гавҳарга йўл берди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) тўсқин бўлмаслик, қаршилик қилмаслик; имкон бермоқ, йўл қўймоқ. *..улар меҳнат аҳлини истаганларича ишлатиб, ҳамёнларини яна ҳам қаппайтиришлари учун авомнинг фикрини очишга йўл бермайдилар.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўл босмоқ** Маълум масофани юриб ўтмоқ. *Мастон неча километр йўл босганини ва яна неча километр босиш кераклигини билар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон. **Йўл бошламоқ** 1) йўловчиларни бошлаб юрмоқ. *-Юринг, — деди Талъат йўл бошлаб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) иш-фаолиятда раҳнамолик қилмоқ; етакчилик қилмоқ, етакламоқ. **Йўл бўлсин?** 1) қаёққа боряпсиз? *Ҳа, йигитнинг гули, йўлингиз бўлсин?* Т. Малик, Ажаб дунё; 2) (*ж.к. билан*) *кўчма* бирор ишни бажариш кимсанинг қўлидан келмаслигини ифодалаш учун ишлатилади. *Шеър ёзишга сенга йўл бўлсин.* **Йўл кўрсатмоқ** 1) олиб борадиган йўлни кўрсатмоқ. *Адашган йўловчига йўл кўрсатмоқ*; 2) йўл-йўриқ кўрсатмоқ, қандай йўл тутишни айтмоқ. [*Ёрмат*] *Элликбошига ялинди: -Ман ғарибга йўл кўрсатинг. Кимга арз қилай?* Ойбек, Танланган асарлар. **Йўл олмоқ** Бирор томонга юришни бошламоқ, йўлга тушмоқ. *Тонготарда ҳужрадан чиққан Меъмор карвонсарой ҳовлисини кесиб ўтиб, дарвозадан ташқарига йўл олди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Йўл солмоқ** *айн.* **йўл олмоқ**. *Яраш полвон тўғри колхоз идорасига йўл солди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Йўл қўймоқ** *айн.* **йўл бермоқ 2.** *..нимаики иш қилса, одамлар хурсанд бўлишини ўйлаши, сахийлиги биронта кишининг бу қизга ўқрайиб қарашига йўл қўймасди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Ота, устоз ҳақлар, — деди Ҳамза. — Ҳийлага баъзан шариат ҳам йўл қўяди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлга кирмоқ** Юришни бошламоқ (гўдак ҳақида). *Адолат йўлга кирди дегандан бошлаб топганини сандиққа ташлади.* С. Зуннунова, Олов. *..қонига беланган дадангни кўтариб кирганларида, сен йўлга кирган эдинг.* Й. Шамшаров, Тошқин. **Йўлга солмоқ** Яхши гапириб, алдаб-сулдаб кўндирмоқ, розилигини олмоқ. *Бўтабой уни [Содиқни] алдаб-сулдаб йўлга солмоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Йўлга тушмоқ** 1) бирор йўл билан (бирор томон) юришни бошламоқ. [*Нури*] *.. қовун полизни сайр қилишни баҳона қилди-да, акасининг ўғли Рафиқжон билан бирга йўлга тушди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) тўғри йўл, меъёрий из (йўналиш)га тушмоқ, шундай ҳолат касб этмоқ. *Саводсизликни тугатиш бўйича ўқиш бир қадар йўлга тушиб олди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлга чиқмоқ** Йўлга отланиб юра бошламоқ, йўл олмоқ. *Взвод ярим тунда йўлга чиқди, разведкага.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *..авзойидан сездики, у шум ният билан йўлга чиққан.* «Ёшлик». **Йўлга қўймоқ** Ташкил қилмоқ, ишга солиб юбормоқ; ривожлантирмоқ; тартибга солмоқ. *Ёшлар ўртасида тарғибот ишларини йўлга қўймоқ.* **Йўлдан оздирмоқ** Нотўғри (номақбул) йўлга бошламоқ, ёмон йўлга чалғитмоқ. *Сизнинг мулойим, одобли синглингизни ҳам йўлдан оздиришим мумкин.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Йўлдан тойдирмоқ** Нотўғри йўлга чалғитмоқ, бурмоқ. *..мусулмонларни ҳақ йўлдан тойдирмоқчи бўлган шул китобларни ағдар-тўнтар қилиб, кўчага чиқариб ташлагим келди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлдан урмоқ** Тўғри йўлдан чалғитмоқ. *Йўқ, энди Менглибойни ҳеч ким йўлдан уролмайди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Тағин мени йўлдан уряпти деб ўйламанг. Сизни яхши кўрганим учун айтяпман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Йўлдан чиқармоқ** *айн.* **йўлдан урмоқ. Йўлдан қайтармоқ** 1) орқага қайтишга мажбур қилмоқ; 2) *кўчма* кишини ёмон хулқ ёки но-

жўя хатти-ҳаракатдан тиймоқ, тўхтатиб қолмоқ. *Муҳаммадражаб.. хотини орқали уни шу йўлдан қайтаришга уринди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Йўли очилмоқ** Бахтли бўлиб, иши юришиб кетмоқ. *Йўли очилган йигитнинг янгаси олдидан чиқар.* Мақол. **Йўли тушмоқ** Юриши, сафари бирон жой, (томон)га тўғри келмоқ. *Қабристонга тушганда йўлим, Мен шу ғамгин ҳолни кўраман.* А. Шер, Қадимги куй. **Йўли учун** *айн.* **йўлига** *..ёлғизгина қизининг кўз ёшларига юраги дош беролмадими ёки йўли учун шундай қилдими — Абдураҳмонбой.. қизини юпатишга тушди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлингдан қолма** Сенда ишим йўқ, менга керагинг йўқ, кетавер. *"Ёрдам берган бўлсангиз, раҳмат, йўлингиздан қолманг", демайдими қиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Оқ йўл тиламоқ** *қ.* **оқ**. *..улар билан чангга ботиб бораётганлигидан мамнун бўлиб, ичида унга оқ йўл тилаб, дераза пардасини туширди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЙЎЛА: **бир йўла** 1) бирдан, бир вақтнинг ўзида. *У [Соттихон] бир йўла тўрт станокда одми шойи тўқишга ўтди.* Туйғун, Станоклар ёнида. *Бир йўла машинадан ҳам, узангидан ҳам ажраб қолмай, деб тиришиб ётибмиз.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) бутунлай. *Мени энди бир йўла йўқолганга чиқариб қўя қолинглар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаётмамот; 3) бир бор, бир марта. *-Менимча қутидарнинг олдидан бир йўла ўтилсин, — деди Ҳасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙЎЛАК 1 Кўчадан ҳовлига олиб борадиган, икки томони девор бўлган узун йўл. *Қулмат отани қидириб, ичкари билан ташқарини қўшадиган кенггина йўлакка чиқдида.. эшик тирқишидан ташқарига мўралади.* К. Яшин, Ҳамза. *Йигитали хайрлашишни ҳам унутиб, йўлакдан кўча томон юрди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Бино ичида хоналарга бориш учун хизмат қиладиган йўл; коридор. *Таниш кошонанинг беҳисоб шамлар зўрға ёритган тор ва узун йўлаклари кимсасиз эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ғойиб бино йўлагининг ҳар ер-ҳар ерида осиғлиқ деворий газеталарни кўрсатарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 *айн.* **йўлка**. *Ўртасига атиргул, райҳон ва гултожихўроз экилган ҳовлининг ўнг томонидаги йўлак бўйлаб юриб, юқоридаги синч деворли пастак уйга киришди.* «Муштум». *Сезар — япроқ юракка ўхшар. Ҳа, шу оддий асалранг япроқ Тош йўлакка айланиб тушар.* Х. Даврон. *Семонланган ариқчалардан жилдираб сув оқиб ётибди. Йўлаклар тоза.* С. Нуров, Нарвон.

ЙЎЛАКАЙ Йўлда кета туриб, ўта туриб; йўл-йўлакай. *Баҳорги каникулда Қудрат.. Кўкоролга бир-икки келган, йўлакай Булоқҳовузни кўриб ўтган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. [*Ҳамшира*] *Қудратга қуллуқ қилиб, ташқари юраркан, йўлакай радио қулоғини бураб қўйди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ЙЎЛАМОҚ 1 Яқин келмоқ, бормоқ; яқинлашмоқ. *Қани энди на трамвай, на троллейбусга йўлаб бўлса: зинасигача одам.* Ў. Юсуфжонова, Жўнатилмаган хат. *Низомжон қизлар звеносига йўламай қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Йўқ, сиз каттасиз, сиз айтинг! Мен яқин йўламайман!* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 *кўчма* Дахл қилмоқ; илашмоқ; яқинлашмоқ. *Сизнинг аъзойи баданингиз.. ҳатто тирноқларингизгача спиртлашиб кетган. Энди сизга ҳеч қандай касал йўламайди.* «Гулдаста».

3 *шв.* Суямоқ, суяб кўтармоқ; қўлтиқламоқ. *Мамарайим пилдираб бориб, отни келтирди-да, хўжайинни қўлтиғидан йўлаб миндирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЙЎЛБАРС 1 Мушуксимонлар оиласига мансуб йирик ва кучли йиртқич ҳайвон. *Йўлбарс териси. Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак.* Мақол.

2 *айн.* **барс 2**.

3 Йўлбарс (эркаклар исми).

ЙЎЛБОШЧИ 1 Бирор синф, партия ёки ижтимоий ҳаракатнинг ғоявий ва сиёсий раҳбари; йирик раҳбар, бошлиқ. *Исломхўжа ёш миллий буржуа вакилларининг йўлбошчиси эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *с.т.* Йўл бошловчи, бошлаб борувчи. *Йўлбошчи серка қоматини ғоз тутиб, олға қараб турди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

ЙЎЛБОШЧИЛИК Йўлбошчи бўлиш, бошқарувчилик. *Ақл йўлбошчилик қилолган ерда, чўлоқ чумолидек ожиз Геракл.* Ғ. Ғулом. *..кўп нарсани биларди, деҳқонларга йўлбошчилик қиларди у.* Ойбек, Нур қидириб.

ЙЎЛДОШ 1 Йўлда, сафарда бирга бўлган киши; ҳамроҳ. *Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл.* Мақол. ▬ *Сен кетарсан йўлда йўлдошинг билан, Мен қоларман уйда кўз ёшим билан.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма* Бирга бўлувчи шахс ёки нарса. *Аммо Жамилев ва унинг йўлдошлари истаётганидек аблаҳлар билан ҳалол кишиларни аралаштириб юбориш учун ҳеч кимга йўл қўйилмайди.* Газетадан. *Ғам ила ғусса бўлибдир йўлдошим хон дастидан.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 *астр.* Бирор планета ёки юлдуз атрофида ҳаракат қилувчи осмон жисми. *Ой — Ернинг йўлдоши. Ернинг сунъий йўлдоши.*

4 *анат.* Ҳомиладорлик пайтида ҳомилани она танаси билан боғлаб турадиган, бола туғилгач, ундан кейин тушадиган, ҳомила пардалари ва киндик тизимчасидан иборат тузилма. *Агар унинг ёнида йўргакда ётган чақалоқ бўлмаганида, жувон кўзи ёриган одамга ўхшамас, қорни боягидай эди. Бу — йўлдошнинг шиша бошлаганидан далолат.* С. Анорбоев, Меҳр.

5 Йўлдош (эркаклар исми).

Умр йўлдоши Бирга турмуш қурган икки кишидан ҳар бири (бир-бирига нисбатан). *Саломат бўлишингизни тилаб қолувчи: бўлажак умр йўлдошингиз Эътиборхон.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

ЙЎЛИГА 1 Йўл с. нинг ж. к. шакли. *Йўлига пойандоз солмоқ.*

2 Чалғитиш, панд бериш ва ш. к. учун; йўли учун (*қ.* **йўл**). *Бу гапни йўлига айтдим-қўйдим-да.*

ЙЎЛИҚМОҚ 1 Дуч келмоқ, учратмоқ, учрашмоқ. [*Отабек*] *Бундай бўлмағур таклифни эшитмас(лик) учун.. онасига йўлиқишдан қочиб юришга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғайратинг бор экан, шунда синадим, Йўлиқса, изиллаб қочади девлар.* «Равшан».

2 Бирор иш-юмуш билан учрамоқ; учрашмоқ. *Ҳакимбойваччага йўлиқиб, унга ялинсангиз.. шояд сизга раҳм қилса.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Дучор бўлмоқ, мубтало бўлмоқ; чалинмоқ. *Бечора турмуш қилганига бир йил бўлар-бўлмас шу дардга йўлиққан экан.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Натижада юрак фалажига йўлиққани маълум бўлиб, шу куни кечаси.. вафот этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЙЎЛ-ЙЎЛ Узун-узун, баъзан ранг-баранг йўллари бўлган, узун-узун йўлли. *Йўл-йўл чит.* ▬ *Хотин ичкари хонага кириб, йўл-йўл халат кийиб чиқди.* С. Аҳмад, Меҳрибон.

ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ 1 Йўл бўйи, йўл давомида, йўлда кетаётиб, давомли, такрор тарзда. *Йўл-йўлакай қамиш бўйи ниҳоллар учрай бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *У йўл-йўлакай бир талай латифалар айтди, ўз саргузаштларини ҳикоя қилди.* Газетадан.

2 *айн.* **йўлакай**. *Мен ҳам шошяпман. Сизни йўл-йўлакай ташлаб ўтишим мумкин.* «Муштум».

ЙЎЛ-ЙЎРИҚ 1 Бирор иш, тадбирни амалга ошириш тартиб-қоидалари мажмуи. *Кимни колхозга олиш, кимни колхоздан чиқариш колхозчиларнинг ўз ихтиёрида. Бунинг ўз йўл-йўриғи бор. Ўртоқ Самандаров ана шу йўл-йўриқни бузганлар дейдилар, холос.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Биз бунинг йўл-йўриғини судлардан сўраб-сўраб, ўзимиз ҳам ярим-ялпи суд булиб қолганмиз.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Бажариш тартиби, йўли ҳақидаги фикр, гап, кўрсатма. *Ҳамма жим бўлди. Ўтирганлар вазири бузрук томон қараб, ундан қандайдир йўл-йўриқ кутди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тўлқин олимлардан йўл-йўриқ сўраб, маслаҳат олиб келди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

3 Иш-топшириқ, бажариладиган ишлар ҳақида кўрсатма; буйруқ. *У кишининг йўл-йўриқларини бизлар ҳеч қандай гап-сўзсиз бажо келтирамиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Ичкарида очиқ деразалардан кайвони хотинларнинг бақириб-чақириб йўл-йўриқ бергани эшитилади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙЎЛКА 1 Одатда кўча четида тош, ғишт ёки асфальт ётқизиб, бир оз кўтариб текисланган, пиёдалар юрадиган тор йўл; тротуар. *Катта йўлга тош ётқизилиб.. йўлкалар асфальт қилинган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Домла кўчанинг ўртасидан юрмай, йўлка билан, бошини кўтариб, жиддий важоҳат билан ўтаётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳовли, боғ ва ш. к. жойларда юриш учун ажратилган махсус йўл. *Девор тагидаги қуруқ йўлкадан уч-тўрт қадам юриб, тўхтаб қолди. Ичкаридан рубоб овози эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Хиёбонга қараб кетдик. Сув сепиб супурилган тоза йўлкалардан секин-секин юриб, анча кездик.* «Муштум». *Йўлканинг ўнг томони — мевазар, чап томони — токзор: икки ишкомгина узум.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.

ЙЎЛКИРА Йўл транспортидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ, йўл ҳақи, кира пули. *Усмонжон уни [пулни] йўлкира қилиб, уйига қуруқ кириб келди.* С. Зуннунова, Олов. *Холдор суҳбатдан секин сирғалиб чиқиб.. ҳукуматдан йўлкирага олган пулини яна санай бошлади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Фестивалга борадиганлардан йўлкира олинмайди, тушундингми, болакай.* Газетадан.

ЙЎЛЛАМОҚ 1 Йўл кўрсатмоқ, йўл бошламоқ, йўналтирмоқ. *Турдимат сел сувини саккиз ариқ, икки каналга йўллади.* И. Раҳим, Ихлос. *Сидиқжон бўсағадан бир қадам ичкарида чўнқайди-да, болани ерга қўйиб, онасига йўллади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ичкарига олдин отани йўллашди, сўнгра ўзлари киришди.* С. Маҳкамов, Шогирд.

2 Жўнатмоқ, юбормоқ. *Салом йўлламоқ. Дўстимга бир мактуб йўлладим.* ▬ *Бобурга совға-саломлар юбориб, унинг ихтиёрига бир неча юз навкар ҳам йўллабди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Жаҳаннамга йўлламоқ Ўлдирмоқ, жонини олмоқ. *Уламо ҳазратлари, рухсат берсалар, зумда жонини жаҳаннамга йўллар эдик.* Ойбек, Улуғ йўл. **Тўп йўлламоқ** Тўпни дарвозага киритмоқ. *Қулай имкониятдан тўпни дарвозага йўллай олмади.*

ЙЎЛЛАНМА 1 Бирор жойга (ишга, ўқишга, даволаниш ва ш. к. ларга) юборилувчи кишига бериладиган расмий гувоҳнома, ҳужжат. *Маҳаллий комитетда баҳаво жойлар учун йўлланмалар бор.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Эртаси куни ёш ўқитувчилар маориф бўлимининг йўлланмаси билан бирин-кетин ҳар томонга тарқала бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *махс.* Транспорт ҳайдовчиларнинг маршрути ва қилаётган иши ёзиб қўйиладиган алоҳида варақа. *Шофёрлар шаҳарни тозалаш учун йўлланма олишди-ю, аслида ҳар ким истаган томонига қараб кетди.* Газетадан.

3 Йўл-йўриқ, кўрсатма.

Ҳаётга йўлланма *кт.* Мустақил иш қилиш учун имкон берувчи билим, малака ва ш. к. *..ҳаётга йўлланма олаётган йигитдир, қиздир олий маълумотли бўлгиси келади.* Х. Тўхтабоев, Товламачи.

ЙЎЛЛАНМОҚ 1 Йўл олмоқ; йўналмоқ. *Ёш муллавачча таъзим билан ўрнидан туриб, Ғуломжон ҳужрасига йўлланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Йўлламоқ фл. мажҳ. н.; жўнатилмоқ, юборилмоқ. *Марғилон ва ўзга шаҳарларнинг ишончли уламо ва бекларига мурожаатномалар йўлланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙЎЛЛИ 1 Йўли бор, йўл туширилган. *..оқ йўлли кўйлак кийган Гавҳарни Маҳкам жуда узоқдан таниди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *кам қўлл.* Ўринли, жўяли. *..уларнинг сўзидан йўлли, йўлсиз кулиб, баҳарҳол сир олишга тиришади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЙЎЛМА-ЙЎЛ 1 Ҳар бир сатри алоҳида, сатрма-сатр; бирор сатрини қолдирмай. *Йўлма-йўл таржима. Китобни йўлма-йўл ўқиб чиқмоқ.*

2 *айн.* **йўл-йўлакай.** *Бўлган воқеаларни йўлма-йўл ҳикоя қилиб кетарди.*

ЙЎЛОВЧИ 1 Йўлда кетаётган, ўтиб бораётган шахс. *Кўчаларда йўловчилар сийраклашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тоққа қараб кетган худди шу симёғочли йўлда бир пиёда йўловчи бормоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор транспортда кетаётган шахс; пассажир. *Автобус йўловчилар билан лиқ тўла эди.* ▬ *Бу ерда йўловчилар поезд жўнашига бир соат қолгунга қадар чамадонларини тузатиб олишлари ва бошқа майда-чуйда ишларини бажаришлари мумкин.* Газетадан.

ЙЎЛОЁҚ *эск.* **1** Узоқ сафарга чиқиш муносабати билан бериладиган зиёфат, ҳадя. *Йўлоёқ улашмоқ.*

2 *с.т.* Кузатиш, хайрлашиш олдидан кичик бир хурсандчилик қилиш, оз-оздан май ичиш.

ЙЎЛПАШША Халқ эътиқодига кўра, уйга меҳмон келишидан дарак берувчи катта кулранг пашша. *Уйда ногоҳ йўлпашша учса, Онам кутар, албатта, меҳмон.* Э. Воҳидов. *Хонага кириб қолган бир йўлпашша гир айланиб, самолётдек вағилларди.* Мирмуҳсин, Нуқра.

ЙЎЛСИЗ 1 Йўли йўқ, йўл тушмаган. *Улар деярли одам изини кўрмаган йўлсиз тепаликлар, ўнқир-чўнқир нотекис ерлар.. оралаб юришарди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Йўллардан ўрмонга, ўрмондан ботқоққа, ботқоқдан очиқ, йўлсиз далага.. ўтиб, узоқ юрди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кам қўлл.* Ўринсиз, ножўя. *..уларнинг сўзидан йўлли, йўлсиз кулиб, баҳарҳол сир олишга тиришади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЙЎЛСИЗЛИК Йўл йўқ ҳолат. *Ёввойи чўл кечган кишигина жазирама қум саҳросининг машаққатли сафари, йўлсизлик азобларини тасаввур эта олади.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Отнинг тор кўчанинг ниҳоятига етиб, йўлсизликдан тўхталганини англагач, [Отабек] ўтган ишлардан ўзига ҳисоб бера бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙЎЛСОЗ Йўл қурилиши ишлари билан шуғулланувчи шахс, мутахассис. *Шу кунларда бу йўлдан ўтиб қолсангиз, йўлсозларнинг кўчага асфальт ётқизаётганлигининг шоҳиди бўласиз.* Газетадан.

ЙЎЛТЎСАР Йўловчиларни тўсиб, уларни талайдиган шахс; қароқчи. *Тоғ. Бу ерда йўлтўсарлар бор.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Олдимиздан йўлтўсарлар, ўғрилар.. чиқиб қолади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЙЎЛТЎСАРЛИК Йўлтўсарлар иши. *Қани энди, кўзимга ўша номард кўринса-ю, йўлтўсарлик қилиб мой чайнайдиган тишларини битта-битта суғуриб олсам, эҳ.* Ф. Садриддинов, Тундаги воқеа.

ЙЎЛЧИ 1 *айн.* **йўловчи**. *Якка йўлчи манзилга етолмасди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қарайсан: йироқда бир йўлчи танҳо На ортга бурилар, на чиқарар сас.* А. Орипов.

2 Йўл бошловчи. *Яёв йўлчи отлиқларни тўғри йўлдан эмас, аҳоли яшайдиган жойларни четлаб.. адир ва тоғликлар оралаб бошларди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

3 *айн.* **йўлсоз**. *Айланма магистралнинг барпо қилинишида тажрибали йўлчилар қаҳрамонона меҳнат қилдилар.* Газетадан.

4 Йўлчи (эркаклар исми).

Йўлчи юлдуз Йўл кўрсатувчи, раҳнамо. [*Ботирали*] *Менга янги ҳаёт йўлини кўрсатган йўлчи юлдузим эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЙЎНАЛИШ 1 Йўналмоқ фл. ҳар. н.

2 *махс.* Бирор нарсанинг ҳаракатдаги йўли; траектория. *Тик йўналиш. Снаряднинг йўналиши.* ▬ *У* [*Шайбонийхон*] *отларнинг чопқирини танлаб қўйган, бугун эса шамолнинг йўналишинию, ернинг нишаблигини ҳам ҳисобга олган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ҳаёт, фаолиятдаги муайян йўл. *Бу экспедиция бир ёқдан Шералининг геологияда ўз ўрни, мавқеи, йўналишини белгилаб берган бўлса, иккинчи ёқдан катта-кичик олимлар диққатини жалб этди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Баҳром билан дўстлашувим ҳаётимнинг бундан кейинги йўналишига катта таъсир ўтказди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

4 Илм-фан ва б. соҳаларга хос оқим, уларнинг соҳаси, тармоғи. *Ҳозирги кунда илмфаннинг бирор йўналишида етук мутахассис бўлиш учун фаннинг бошқа йўналишларини ҳам чуқур билиш керак.* Газетадан.

ЙЎНАЛМОҚ 1 Бирор томонга қараб йўл олмоқ; юрмоқ, жўнамоқ. *Йигит гапини айтолмай, бўшашиб, эшик томонга йўналди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Аҳмад кеч қолаётган эди, шунинг учун.. яёв тепага йўналди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *кўчма* Қарамоқ, қаратилмоқ. *Ҳамманинг диққати раисга йўналди. Раис индамай, бамайлихотир чой ичиб ўтирарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЙЎНАЛТИРМОҚ 1 Йўналмоқ фл. орт. н. *..подшоҳ энг яқин беклари билан сойнинг нарига четида туриб, қўшинни кўприкка томон йўналтирмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Иш-ҳаракат, фаолият ва ш.к. ни бирор томонга бурмоқ, қаратмоқ. *Десантларни ягона мақсад йўлига йўналтириш керак эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ёшларни касбларга йўналтиришда, ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этишда унинг [«Камолот» ёшлар ҳаракатининг] роли ортиб бормоқда.* Газетадан.

ЙЎНДИРМОҚ 1 Йўнмоқ фл. орт. н. *..тоғдан йўндириб келиб ётқизилган тошлар кўчаю бозор саҳнини лой-чангдан асрар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Топмоқ, ундирмоқ (йўқ жойдан). *Техникани йўқ жойдан йўндирди.* «Саодат». *Борни тежаб, йўқни йўндириб, дам оч, дам чала қурсоқ бўлиб яшадик.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙЎНИҚ Йўниб маълум шаклга киритилган; йўнилган. *Йўниқ тош.*

ЙЎНМОҚ Бирор нарса ясаш, тўғрилаш мақсадида қирқмоқ, кесмоқ, тарашламоқ. *Полвон.. бир тошни танлаб олди-да, яхшилаб артишга ва бир томонини йўнишга буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Аваз узун бир ёғоч топиб, ўғлига қармоқдаста йўниб қўйди.* С. Сиёев, Аваз. *Дадаси ҳўл қайрағочни қўр аралаш кулга кўмиб, тўғин, эгар, кегай йўнар эди.* А. Мухтор, Чинор. *Матқовул қишда ҳам тинмади. Ўзича омоч йўнди, мола ясади..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЙЎНҒИЧҚА Дуккакли ўсимликлар оиласига кирадиган, ем-хашак бўладиган ўтсимон ўсимлик; беда. *Йўнғичқа ўрмоқ.* ▬ *Яна шу ерни чопдик. Йўнғичқанинг илдизини суғурдик.* Ойдин, Гулсанам. *Йўнғичқа ўроққа кеп қопти-ку*? Ш. Холмирзаев, Арпали қишлоғида.

ЙЎНҒИЧҚАЗОР Йўнғичқа экилган майдон. *-Ҳув анави сой бўйидаги йўнғичқазорга* [*отни*] *олиб бор, — деди Зиёбек Кенжага.* Н. Фозилов, Оқим.

ЙЎНҒИЧҚАПОЯ *шв.* Йўнғичқазор. *Йўнғичқапоя пуштасидан юриб, айвонларига чиқиб борди.* Ш. Холмирзаев, Арпали қишлоғида.

ЙЎРГАК Чақалоқни ўрайдиган кичик чойшаб. *Болани доим озода, йўргакларини тоза, қуруқ тутиш керак.* ▬ *Чақалоқнинг оёғи 100 х 120 см ли йўргакка сиқмай ўралади ва икки ойлик бўлгунча шу тарзда кийинтирилади.* «Саломатлик».

Йўргакда теккан (касал) Ёшликдан ўрганган, туғма одат. -*Бу* [*амални суиистеъмол қилиш*] *Тожибойнинг йўргакда теккан касали, — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Зўравонлик немисга йўргакда текканга ўхшайди, — деди ямоқчи чол.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЙЎРГАКБОҒ Йўргак устидан боғланадиган боғ, тасма. *Меҳринисо шошиб, чақалоқни йўргаклар экан, ҳали йўргакбоғни ҳам боғламай туриб, эшикдан Зоҳида кириб келди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЙЎРГАКЛАМОҚ Йўргакка ўрамоқ. *Чақалоқни йўргакламоқ.* ▬ *Назаримда, қизим, сиз киндигингизни кесиб, йўргаклаганларни, опичиб катта қилганларни ҳам унутиб юборганга ўхшайсиз.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

2 *кўчма* Ўраб-чирмамоқ (тарбия, улғайтириш билан боғлиқ); қопламоқ. *Гўзал Тошкент, қулоқ сол меҳмонингга, Ишқимизни йўргакладинг, шод этдинг.* Т. Тўла. *Она ер ялпизларни митти япроқчаларга йўргаклади.* «Саодат». *Дилимда йўргакланган мисралар тилим учида айланади.* М. Қўшоқов, Олти қизнинг ичида.

ЙЎРИҚ 1 Амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбир; йўл. *Ҳар ишнинг ўз йўриғи бор.* ▬ *Чигалларнинг ҳаммасини жума куни кенгаш ечади. Ҳаммамизнинг ҳаёт-мамотимиз йўриғи ўша куни белгилаб берилади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Бирор масалада тутган мавқе, аҳамиятни алоҳида қайд этади. *Онанинг йўриғи бошқа экан: битта чақалоққа икки эркак бас келолмасдик.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Сизнинг йўриғингиз бошқа, сизнинг соянгиздан ҳам ҳайиқишади.* С. Нуров, Нарвон.

Шу йўриқдан *кам қўлл.* Шу сабабли. *Шу йўриқдан мен нима юмуш билан келганимни айтишдан кўра, чолу кампирнинг ҳол-аҳволини сўрашни афзал кўрдим.* «Муштум».

ЙЎРИҚНОМА 1 Қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни тушунтириш мақсадида чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат. *Лавозим (мансаб) йўриқномаси.*

2 Бирор нарсани, унинг амалга ошириш, бажариш тартиби ва усулини белгиловчи қоидалар тўплами, кўрсатмалар. *Қонунни қўллаш ҳақида йўриқнома.*

ЙЎРМА Каштачилик (каштадўзлик)да занжирсимон чок. *Йўрма қилиб тикмоқ.* ▬ *Тикиши силлиқ эмас: Ўгирмаси — чакмага, Санамаси — йўрмага Кундош бўлиб тушгандай.* Ғ. Ғулом.

ЙЎРМАДЎЗ Йўрма тикувчи мутахассис, чевар

ЙЎРМАДЎЗИ Йўрма усули билан тикилган ёки гул солинган буюм. *Анорхоннинг устида қизил атлас кўйлак, бошида йўрмадўзи дўппи.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ЙЎРМАДЎЗЛИК Йўрма усулидаги чок билан бадиий буюмлар ва кийимларга гул (нақш) тикиш иши, касби. *Йўрмадўзлик билан шуғулланмоқ.*

ЙЎРМАМОҚ *айн.* **кўкламоқ** II.

ЙЎРТМАЧОҚ Йўртиб, сакраб юрадиган.

Йўртмачоқ бола Эндигина йўлга кирган, юра бошлаган бола.

ЙЎРТМОҚ Йирик қадам билан тез юрмоқ, елмоқ; лўкилламоқ (от ва эшак юриши ҳақида). *От бош силкиб.. йўртиб кетмоқда.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЙЎРТОҚ(И) Йирик қадам ташлаб, елиб юрадиган. *Йўртоқ йўрғага йўлдош бўлмас.* Мақол. ▬ *[Қорасоч] Ҳар қалай, йўрға тугул, йўртоқ бўлса ҳам, от миниб, дала кезишни ор этмас эди.* Т. Сулаймонов, Қорасоч.

ЙЎРҒА I **1** Майда қадам ташлаб, тез юрадиган (от, эшак ҳақида). [*Мингбоши*] *Энг яхши зар чопонини кийиб, тилла камарини боғлаб, узун қиличини осиб, саман йўрғани миниб, йўлга чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Гулноранинг дадаси қишгача*

миниб юра қол, деб йўрға эшагини берган. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Шундай тарздаги юриш. *..Жўра, бу қайноқ ҳаётни кўрмагандай, кўчанинг бир четидан от йўрғасига маҳлиё бўлиб.. борарди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Якка отнинг йўрғасидан чиқарми чанг?* Ғ. Ғулом.

Йўрғаси чиқмоқ *айн.* **оёқ чиқармоқ** *қ.* **оёқ**. *Полвонга жир битувдики, йўрғаси чиқиб қолди..* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Йўрға чиқармоқ** *айн.* **оёқ чиқармоқ** *қ.* **оёқ**. *[Ҳожар:] Бу қора ер юткурнинг йўрға чиқаришини етти ухлаб тушида ким кўрибди?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ЙЎРҒА II Бешикнинг бир текисда, осон тебраниши учун унинг орқа ва олд оёқлари остига кўндаланг ўрнатилган ёйсимон ёғоч мослама.

ЙЎРҒАЛАМОҚ 1 Йўрға юриш қилмоқ (от, эшак ҳақида). *Абдусамад амакининг орқасига мингашиб олдим. От йўрғалаб кетди.* М. Мансуров, Ёмби. *Тагимдаги қашқа дўнон бир меъёрда йўрғалайди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Умуман, майда ва тез қадам билан юрмоқ. *Бухгалтер сўридан тушиб, тўй бўлаётган ҳовли томон йўрғалади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Шундай йўғон бўлишига қарамай, беданадай йўрғалади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *кўчма* Нарсанинг бирор сатҳ узра тез ҳаракатига нисбатан қўлланади. *Қалами йўрғалаган сари, юмалоқ юзи хиёл ёришиб, қийиқ кўзлари пирпирар эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. [*Муниснинг*] *Оқ бармоқлари клавишлар устида йўрғалаб, унинг юрак сўзларини куйга кўчирар эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

4 Енгил ҳаракат, майда қадамлар билан ўйинга, рақсга тушмоқ. *Ўйинчи йигит четга чиқиши билан киприкларига сурма қўйган бир жувон ўртага чиқиб йўрғалай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Холмат:] Гўзалларнинг гўзали! Энди иккитагина хурсандчилик қиламиз-да. Бир йўрғалаб берасиз-да!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ЙЎСИН I **1** *кам қўлл.* Ҳолат, тарз. *Шакарнинг йўсини ўзгармаган, унча-мунча гап, насиҳат бакор келмаслиги кўриниб турибди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

2 *кўм. взф.* Ўхшатиш, қиёс маъносини билдиради. *Отабекнинг Марғилонга бориб келиши шу йўсинда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сўнгра* [*қизча*] *ўз ишидан миннатдор йўсинда қора кўзларини атрофга бир жавдиратиб олди-да, тез чиқиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙЎСИН II Зах ерларда, тош, дарахтлар устида ўсадиган илдизсиз майда ўсимлик, мох. *Тош устини йўсин қоплабди.* ▬ *Челакни тўлдириб, қаддини ростлади. Қум, сувдан йўсин, йод ҳиди келарди.* С. Нуров, Нарвон.

ЙЎТАЛ 1 Нафас йўлининг касалланиши, қичиши туфайли хириллоқ ва шовқин аралаш ўқтин-ўқтин кучли зарб билан нафас чиқариш. *Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Домла йўталди ва йўталнинг зўридан қизариб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шундай ҳодиса билан кечадиган касаллик. *Йўтални даволамоқ. Йўталга қарши дори бермоқ.*

3 Бирор нарсадан белги (хабар) бериш, унга ишора қилиш мақсадида чиқариладиган шундай товуш. *Бўтабой бу йўталнинг маъносига дарров тушунди.. деразадан ташқарига қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *кўчма* Пора. *Йўталсиз ҳеч ерда ишинг битмаса, Кўк қоғоз тутмасанг, кўролмасанг кун..* Э. Воҳидов.

ЙЎТАЛМОҚ Йўтал чиқармоқ (**йўтал** тўғри ва кўчма маънода. *қ.* **йўтал**). *Мастон кўзини очиб яна юмди. Турғуной яна узоқ йўталди; Мастон уйғонгандан кейин, унинг елкасига бошини қўйиб, яна йўталди..* А. Қаҳҳор, Мастон. *Мурод Мирзонинг одоб юзасидан йўталиб олгани эшитилди, сал ўтмай, унинг узун ва озғин қомати кўринди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЙЎҚ 1 Мавжуд эмас; *зид.* **бор 1**. *Ўзингда йўқ – оламда йўқ.* Мақол. *Бу атрофда биронта хонадон йўқ.* ▬ *Корхонада озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазин йўқ.* Газетадан. *Одамзод шундайки, бор нарса аста-секин йўқолса ҳам, пайқайди, лекин йўқ нарса аста-секин пайдо бўлса, пайқамайди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Жавоб ичида келиб, инкор маъносини ифодалайди; *зид.* **ҳа.** *Сидиқжон бир сонини эгарга қўйиб, жувонга томон ўгирилиб*

ўтирди: -Бу ерлар ҳам Қўшчинорга қарашлими? -Йўқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Сиз ҳам қизиқсиз-да, Ҳожи хола. -Йўқ, қизиқ эмасман, тўғри гапни қиляпман, Тўрахон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Биласизми, Йўлчи, кимни судрадингиз? -Йўқ, ким ўзи у ит?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Гап олдидан келиб, олдинги гапда баён этилган фикрга эътирозни билдиради. *Йўқ, сени шарманда деб таъна эшитишни хоҳламайман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йўқ, жаноби бой, саводли билан саводсиз ҳеч маҳалда баб-баравар эмас.* К. Яшин, Ҳамза. *-Йўқ, йўқ, синглим, — ялинди Раҳим Саидов —Ўтинаман, ҳозир беринг. Жуда ҳам зарур!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

4 Бирор (ўйланган) нарсанинг ундай эмаслигини, юз бермаслигини билдиради. *Олимжон ўн беш кунда қайтмоқчи эди. Бир ой ўтди — йўқ, икки ой ўтди — йўқ. На хат бор, на хабар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эртоев Барно рози бўлиб қолмаса, деб бир сесканиб тушди, йўқ, қиз ноз билан бошини чайқади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ёлғиз қўйни ҳайдаш нуқул азоб. Бўйнидан сургайман — йўқ, думбасига арқон солиб тортаман — йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *от взф.* Камбағал, қашшоқ; ночор. *Бор бўлсанг, кўролмайди; йўқ бўлсанг, беролмайди.* Мақол. *Борнинг иши фармон билан, йўқнинг иши армон билан.* Макол. ▬ *-Ўлим — тўй эмас, борнинг пулини сочади, йўқнинг сирини очади, — деди кампир ўғлига.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

6 Феълнинг инкор маъноли шаклини ясаш учун хизмат қилади. *Анчадан бери кўрганим йўқ. Ўқишга бораётгани йўқ.*

7 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсага шахснинг уқуви, бардоши, хоҳиши йўқлигини билдиради. *Лекин мен ҳам мақола ёзишга йўқман, биродар.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Шундай қилиб, Салимхон Обидий касалга йўқроқ одам.* Мирмуҳсин, Умид.

Баҳоси йўқ Белги, қимматни кучайтириб ифодалайди; жуда яхши, бебаҳо. *..лекин* [*Ўрмонжон*] *яхши одам, худога қараб айтганда, баҳоси йўқ одам.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Гап йўқ** Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас; қойил, жуда соз. *-Зиёфат қалай бўлди? -Эй, гап йўқ!* **Гапда** (*ёки* **гап-сўзда) йўқ** Гапга чечан эмас, гапни яхши уддалаб гапира олмайди. *Ҳозирги афтини кўрган киши уни* [*Рўзиматни*] *гап-сўзда йўқ, ўзи тўнггина бир йигит гумон қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Жаҳонда йўқ** Яккаю ягоналикни таъкид билан ифодалайди. *Сўзлашдик, хотин, у киши сўзни айлантириб, сиздек бахтли ота жаҳонда йўқ, деди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Зарари йўқ** Ҳеч нарса қилмайди, ҳечқиси йўқ. *-Зарари йўқ, — деди Каримий пешонасида тўзғиган сочларини бир бош силкиш билан орқага ташлаб.* Н. Аминов, Суварак. *-Ҳа шуми? — кулди Йўлчи. — Зарари йўқ, жилдираб оқяпти-ку, опа, шу ҳам тошишми?* Ойбек, Танланган асарлар. **Инг йўқ, жинг йўқ** Индамай, ҳеч нарса демай. *Қорни тўқ, эгни бутун бўлса бас. Инг йўқ, жинг йўқ ишлайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Иши йўқ** Эътибор бермайди, қизиқмайди. *Хоннинг ўлик-тирик билан иши йўқ эмиш. Жони ҳалак дейдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. [*Самоварчининг*] *Келган-кетганлар билан унчалик иши йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Йўқ бўлмоқ** Кўздан ғойиб бўлмоқ; йўқолмоқ. *Отаси Маҳмуд ака эса онаси вафот этгач, йўқ бўлиб кетди.* Газетадан. *Бирдан бошим айланиб, аллақандай қоронғиликда йўқ бўлиб кетдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Йўқ деганда** Энг ками, ками билан. *Йўқ деганда беш кило келади.* **Йўқ демоқ** Инкор этмоқ, рад этмок, эътироз билдирмоқ. *-Йўқ десангиз, бой тилингизни кесармиди? — бўғилиб деди Гулсумбиби.* Ойбек, Танланган асарлар. **Йўқ ердаги** Ҳеч қаерда йўқ, умуман йўқ. *..йўқ ердаги ғовғани бошимизга сотиб олдик, деб қилган ишига пушаймон бўлиб ётди.* «Ёдгор». **Кун йўқ** Кун бермайди, тинч қўймайди. *Сиз уйда йўқ вақтларингизда Ҳамдамингиз дастидан менга кун йўқ.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Яккахўжалик бўлсанг, сенга кун йўқ, деб бизни колхозга киргани мажбур қилишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнглида кири йўқ** *қ.* **кир**. **Кўргани (***ёки* **кўрарга, кўришга) кўзи йўқ** Жуда ҳам ёмон кўради, кўришни ҳам хоҳламайди. *Уларнинг мени кўргани кўзлари йўқ.* К. Яшин, Ҳамза. *Унинг* [*Каримовичнинг*] *кўрарга кўзи йўқ: ҳар бир йиғинда аспирантини чўқий бошларди.* Мирмуҳсин, Нуқра. **Мазаси йўқ** 1) кўнгилдагидек эмас, дуруст эмас. *Имтиҳон қилиб кўрдим — мазаси йўқ.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими; 2) *айн.* **тоби йўқ** *қ.* **тоб**. **Отлиққа йўқ** Кам топиладиган, ноёб, ҳамма ҳам етишавермайдиган

нарса ҳақида. *Кишининг юрагини қон қилиб юборасан.. наинки мен асал олсам! Асал отлиққа йўқ, ҳали биз пиёда-ку!* А. Қаҳҳор, Анор. **Саноғи** (*ёки* **сони**) **йўқ** Жуда кўп. *Кўрпа-тўшагини орқалаб, хор-зор юрган одамларнинг саноғи йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Элликбоши Ҳакимбойваччага:*] *Ўғри, муттаҳам, дайдиларнинг сони йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Суяги йўқ** Жуда ёқтиради, жуда қойил қилади. *Қабиҳ ишларга суягингиз йўқ, мусаллас шаръий дейсиз.* У. Исмоилов, Сайланма. **Тараф йўқ** Тенглашадигани, етадигани мавжуд эмас; тенглашиб бўлмайди. *..аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас. -Сизга тараф йўқ, тоға!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тоби йўқ** 1) соғлиғи дуруст эмас; касал. *Ака, нимага жим бўлиб кетдингиз? Тобингиз йўқми? Озибсиз-а..* Ойбек, Танланган асарлар; 2) хуши йўқ, ёқтирмайди. *На ўқишга, на юмушга тоби йўқ.* «Гулдаста». *-Биламан, тушунаман, кишанга тобинг йўқ, — деди-да, Қоратой кўзларини айёрча қисиб давом этди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Тутуриғи йўқ** Бетайин, ўз гапига амал қилмайдиган. *Шу одам ҳам тутуриғи йўқ, лайчадек сермулозимат бўлиб кетяпти.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ўзида йўқ** Хурсанд (шод) ҳолатни кучайтиради. *..акажони келтирган жажжи машиначани қизларга кўз-кўз қилиб, ўзида йўқ хурсанд.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *-«Жаннат, жаннат» дейишади-ю, жаннат деганлари Қорабулоғимиздан яхшимикан?! — деди у ўзида йўқ қувониб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ҳе йўқ, бе йўқ** Бирор нарса демай, ҳеч қандай гап-сўзсиз. *Маҳалламда, ҳе йўқ, бе йўқ, ўғлим Абдусаматни аскарликка мўлжаллаб қўйишибди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳечқиси йўқ** *қ.* **ҳечқиси**. *Беш-олти мингга куйибсан, ҳечқиси йўқ.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Йўлчи пинагини бузмай, одатда гапиргандай, деди: -Ҳечқиси йўқ; мўйсафид, бечора одам экан, дуосини олай дедим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳисоби йўқ** 1) сони (саноғи) йўқ, беҳисоб. *Мол-дунёсининг ҳисоби йўқ*; 2) илож-имкон йўқ. *Қайтай десам — қувади, ўтиб кетишнинг сира ҳисоби йўқ. Туриб қолдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЙЎҚЛАМА 1 Кишиларнинг бор ёки йўқлигини билиш учун рўйхат бўйича уларнинг исм ва фамилиясини айтиб чақириш. *Йўқлама қилмоқ.* ▬ *Бир кун, жангдан чиқиб дам олаётган бир бўлинмага бориб қолдим, шу вақт роталарнинг бирида кечки йўқлама бўлаётган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Муаллим йўқламани қилиб бўлгач: -Ўтган дарсда қайси мавзуни ўтган эдик? — деб сўрайди..* Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакати.

2 *эск.* Мактабда синф журнали. *Бунда* [*дарсда*] *6-8 бола баҳоланиб, уларнинг баҳоси йўқламага ва кундаликка қўйилади.* Й. Абдуллаев, Дарс юзасидан баҳони қандай қўйиш керак? *Ҳамшира эриниб, олдидаги йўқламага ўхшаган дафтарни очди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЙЎҚЛАМОҚ 1 Ҳол-аҳвол сўрагани бормоқ ёки келмоқ. *Касални йўқлаб бормоқ.* ▬ *Сиздан умидим шумиди, улуғ, наҳот ҳолинг не, деб бирор марта йўқлаб келмасангиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Раҳмат, Эътибор опа, шунданшунга овора бўлиб йўқлаб келибсиз!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *этн.* Бирор муносабат билан муборакбод қилиб, совға олиб бормоқ. *Чақалоқни йўқлаб бормоқ.* ▬ *Юсуф амаки бот-бот келар, қизи қатори мени ҳам совғалар билан йўқлаб турарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

3 Бирор нарса ёки кимсани истаб суриштирмоқ, ахтармоқ, сўрамоқ. *Мирзакаримбой шубҳа билан боқиб сўради: -Келинг, кимни йўқлаб келдингиз бу ерга?* Ойбек, Танланган асарлар. *Бек инқилоб бўлган йили Раҳим домлани йўқлаб, мачитга келганини.. эслади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 Эсламоқ, ёдга олмоқ. *Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?* Машраб. *Биз уларни йўқласак, улар бизни эслайдилар.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши.* Муқимий. *-Катта қиз бўлиб юрибсизми? -Шукур.. Ҳозиргина йўқлаб турган эдик-а.* Н.Сафаров, Танланган асарлар.

Ўрни йўқланди Йўқлиги билиниб, сезилиб турди. *Элмурод Рашиднинг олдидан қайтгач, ортиқча қайғурмаса ҳам, нима учундир уч-тўрт кундан кейин унинг ўрни йўқланди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЙЎҚЛАНДИ *шв. айн.* **йўқлов 2,3.**

ЙЎҚЛИК 1 Йўқ ҳолат, йўқ эканлик. *Шошма, дадангнинг йўқлигида сен.. билан гаплашиб олай.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пирнафас акангизнинг йўқлигини билдиришмаяпти.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *айн.* **йўқчилик**. *Эзгинлик, хўрлик, йўқлик асаби бўш одамларда тажанглик туғдирар, муомалада пардани кўтарарди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *..йўқлик уни ўзидан катта таёқ судраб, қўй боқишга мажбур қилган эди.* Газетадан.

3 Ҳаёт, бирор нарса мавжуд бўлмаган макон, ҳолат. *Ҳамма нарса унутилди, еру кўк, замину замон йўқлик қаърига бир лаҳзада сингди-кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Абас, йўқликларга кетди жаҳолат, Асримиз уфқида у мисли рўё.* А. Орипов.

4 *флс.* Мавжуд эмаслик; *зид.* **борлиқ**.

ЙЎҚЛОВ 1 Йўқлаш иши, хатти-ҳаракати.

2 Маълум муносабат билан қутлаш ёки ҳол-аҳвол сўраш учун қариндош-уруғ, дўст-танишларнинг бир-бирлариникига боришидан иборат маросим, одат. *Яна битта зарур йўқлов чиқиб қолди, хотин.* Ғайратий, Довдираш. *Бу хотин, қачон қарасам, тўёна, йўқлов ташвишида юради.* М. Алавия, Тўйларимиз ҳақида.

3 *этн.* Шундай юришда (бориш-келишда) олиб бориладиган нарса (тугун, тоғора ва ш. к.). *Йўқлов тоғорасини кўтарган Санобархон билан отарчилар аллақачон қуён бўлган эдилар.* Ғайратий, Довдираш.

4 *этн.* Марҳумларни эслаб айтиладиган (йиғланадиган) аза тўртликлари, шундай йиғи. *Бунга йиғи-йўқловлар ва мотам ёр-ёрлари киради.* «ЎТА».

ЙЎҚЛОВЧИ Йўқлаб борувчи шахс.

ЙЎҚОЛМОҚ Йўқлик касб этмоқ, мавжудлиги барҳам топмоқ; йўқ бўлмоқ. *Сайёрамизда қанча тоғлар йўқолиб, яна қанча янгилари пайдо бўлди.* «Фан ва турмуш». *Сув қуриб, Қўштегирмон аллақачон йўқолиб кетган, оти қолган, холос.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Мавжуд жойини тарк этмоқ, йўқ бўлмоқ. *Уйда тутун йўқолган бўлса-да, аччиқ ҳид дарров унинг бурнига урилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Омоннинг юзидаги табассум йўқолди, ўйланиб, жиддий оҳангда гапирди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Кўздан йўқ бўлмоқ, кўринмайдиган ҳолат касб этмоқ; йўқ бўлмоқ. *Арғимчоқ учгандай, болалар сувда баланд-паст бўлиб, гоҳ йўқолиб, гоҳ кўриниб, орқага қайтишарди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Қора Аҳмад бир ҳужрага кириб, узоқ вақт йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бор-йўқлиги, кимда, қаердалиги номаълум ҳолат касб этмоқ; йўқ бўлмоқ. *От йўқолди. Пул йўқолди. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. ▬ *Қизим йўқолди. Қаёққа учди, билмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *с.т.* Кетмоқ. *Ҳартугул, бу кун уйига йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙЎҚОТИШ 1 Йўқотмоқ фл. ҳар. н. *Ёввойи ўтларни йўқотиш. Имкониятни йўқотиш.* ▬ *Уламоларимизда ҳам айб кўп, бидъат ишларни йўқотиш ўрнига, уларни ҳимоя қиладилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишдаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда йўқотиш..* Газетадан.

2 Тегишли ва муҳим (зарур) нарса ёки кимсасидан айрилиш. *Яхши одам қишлоқдан кетса, катта йўқотиш ҳисобланади.* Газетадан. *Саодат.. бу — бошланиши эканлигини, бундан-да оғирроқ.. йўқотишлар юз беришини ҳали билмасди.* «Ёшлик». *Бу жудоликлар, йўқотишлар Холматжон қалбида ҳеч ўчмас доғ, армону афсус бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЙЎҚОТМОҚ 1 Йўқ қилмоқ. *Буларни таг-туги билан йўқотмагунимизча, бизга тинчлик йўқ.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Муайян мақсадга монелик қиладиган тўсиқни олиб ташламоқ; барҳам бермоқ. *Саводсизликни йўқотмоқ.* ▬ *.. турмушимизда бир қадар ислоҳ юзага чиқсин, бемаъни ишларни йўқотайлик..* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ихтиёрсиз ҳолда тегишли нарсасини йўқ қилмоқ, назар-эътиборидан қочирмоқ. *Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.* Мақол. ▬ *..устод Қавом, Нажмиддин кетганидан сўнг, кўнгли бўм-бўш бўлиб қолиб, бир нимасини йўқотган одамдек гангиб юрди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 *кўчма* Ажралмоқ, маҳрум бўлмоқ; айрилмоқ, жудо бўлмоқ. *Гуландом ёлғиз гўзалгина эмас, балки ақли ва инсоний ғururини ҳали жилла йўқотмаган хотин каби туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жангда ўз сафдошларидан бир нечтасини йўқотди.* Газетадан.

5 Кучдан қолмоқ, йўққа чиқмоқ. *Қонуннинг 26-моддаси ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.*

Ақлини (*ёки* **эсини, ҳушини, эс-ҳушини) йўқотмоқ** Тўғри фикрлаш, англаш ҳолатини йўқотмоқ, гангиб қолмоқ. *Темиржон эса қадаҳ уриштириш у ёқда турсин, ақлини йўқотиб, нима бўлаётганига ҳам тушунмас, хомуш ўтирарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

-Вой, эсим қурсин, сизларни кўриб, эсимни ҳам йўқотиб қўйдим, — деди онаси ташқарига интилиб. М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бир лаҳза эс-ҳушини йўқотиб, эсанкираб турди-да, кейин..* К. Яшин, Ҳамза. **Гапини** (*ёки* **сўзини**) **йўқотмоқ** Гап-сўзидан адашмоқ, нима гапиришни билмай қолмоқ. *Йигит гапини йўқотиб чайналди. Қизга, ялингандек, жавдираб қаради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Нотиқ.. «тўсатдан қаттиқроқ танқид қилдим, шекилли» деган андишага бориб, сўзини йўқотиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Нотиқ. **Ўзини йўқотмоқ** Бирор иш-ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. да меъёрий ҳолатини йўқотмоқ, гангиб, эсанкираб қолмоқ. *Ўзларини йўқотиб қўйган дуохон-доялар бу салобатли кишини кўриб, турган жойларида қотиб қолдилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Қасам руҳи билан ғайратланиб келган йигит бу ердаги аҳволни кўриб, ўзини йўқотиб қўйди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ЙЎҚСА *шв..* Акс ҳолда, бўлмаса. *Тезроқ юринг, йўқса, кечикиб қоламиз.* ▬ *Ўқиб бераман, рози бўлсангиз — шундай, йўқса, аслича босилар.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳиндистонга қўшни ва дарвоза бўлган мустамлакадаги сиёсатга тўкис-тугал обрў таъмин этилган бўлиши керак. Йўқса, натижа ёмон.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЙЎҚСИЛ *эск.* Камбағал, қашшоқ; муҳтож. *Аммо жафо чекар бахт деб ғарбдаги Ишсизлар, гадолар, йўқсиллар, хорлар.* Уйғун. *Меҳнатдан бошқа ҳеч нарсани билмаган бу йўқсил йигитнинг қандай зўр талаблари бўлар эди дейсиз.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЙЎҚЧА *шв.* Ниҳоятда кам, жуда оз; озгина, йўқдек. *Йўқча гуруч ош бўлур, меҳмон кўнгли хуш бўлур.* Мақол. ▬ *Йўқча майиз тополмай, Куёв қочди, ёр-ёр.* «Оқ олма, қизил олма».

ЙЎҚЧИ *шв. фольк.* Йўқловчи, сўровчи, қидириб изловчи. *Дарвозага келиб турган ёш ўғлон, Йўқчимисан, йўқлаганинг бормиди?* «Тоҳир ва Зуҳра». *Шу галага бизнинг бир моя келган, Моянинг йўқчиси, нори бўламан.* «Алпомиш».

ЙЎҚЧИЛИК Иқтисодий танқислик, етишмовчилик; камбағаллик, муҳтожлик. *Унинг бутун гавдасида оғир машаққат, изтироб, йўқчилик ва бошқа кулфатлар билан тўла бир умрнинг изларини жуда яққол кўриш мумкин эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эл-юрт бошига тушган даҳшатли уруш туфайли йўқчиликка бардош бераётган қанчадан-қанча халқ қатори чидам билан ишларди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЙЎҒИРМОҚ *шв.* Аралаштирмоқ, қўшмоқ. *Ёлғонни ҳам боплаяпти: чин ақидаларга йўғириб гапираётгани учун сўзлари ишонарли чиқяпти.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Қулмурод бир оз сув ва сут қуйиб, устига халтадаги ундан тўрт-беш қўш ҳовуч солиб йўғира бошлади.* С. Айний, Қуллар.

ЙЎҒОН 1 Кўндаланг кесими катта. *Йўғон терак. Йўғон арқон. Йўғон ичак. Йўғон чўзилади, ингичка узилади.* Мақол. ▬ *У айвоннинг йўғон устунига тикилиб турарди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шербек, йўғон бир жуфт қамчидай сочи тақимига тушган Нигора.. кўздан ғойиб бўлгунча, алам ичида тикилиб турди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Дўриллаган (овоз ҳақида). *Унинг эгаси Маликахон баланд бўйли, овози ҳам эркакларнинг овозидек йўғон, сатангнамо хотин эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Буни билмаган, балки билгиси ҳам келмаган Қулмат қора эса, гўр ичидан гапиргандай, паст ва йўғон овоз билан давом этди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *кўчма* Шакл, миқдор ва б. жиҳатлардан катта; салмоқли, салобатли. *Йўғон одам.* ▬ *Ўликни кўмиб келиш қийин эмас, лекин йўғон чиқимлари кейин чиқади, биласанлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Комил:] Э, ҳали кўп беллашамиз. Ишнинг йўғонлари энди чиқадиганга ўхшайди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

ЙЎҒОНЛАШМОҚ Йўғон бўла бормоқ. *Овози йўғонлашмоқ. Ниҳолнинг танаси йўғонлашди.* ▬ *Муҳаммадражаб семирган, йўғонлашган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЙЎҒОНЛИК Кўндаланг кесим даражаси, катталик. *Йўғонлиги бир метр келадиган чинор.* ▬ [*Йўлчининг*] *Икки қоши ўртасидан бир томонга кирган томири ўрта бармоқ йўғонлигида бўртиб чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу вақт нарироқдаги беш қулочча йўғонликда бўлган азим қайрағочда чумчуқлар қулоқни битиргудай қаттиқ чирқиллашиб қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЙЎҒРИЛМОҚ 1 **Йўғирмоқ** фл. мажҳ. н. *Сутга йўғрилган кулча.*

2 Қўшилиб, аралашиб кетмоқ; мужассамланмоқ. *Уларнинг [Аброр билан Чиннихоннинг] муҳаббати соф дўстона ҳурмат туйғулари билан йўғрилган эди.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш.



КАБАРДИН 1 Кабарда-Балкариянинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқнинг номи. *Кабардин халқи. қ.* **кабардинлар**.

2 Шу халққа мансуб, тегишли, оид. *Кабардин тили. Кабардин аёл.*

КАБАРДИНЛАР Кабарда-Балкариянинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

КАБАРЕ [*фр.* cabaret – қовоқхона] Эстрада томошалари (рақс, қўшиқ, мусиқа) бўлган қаҳвахона ёки ресторан.

КАБЕЛСОЗ Кабель ишлаб чиқарувчи ишчи, мутахассис.

КАБЕЛСОЗЛИК Кабель ишлаб чиқариш; ишлаб чиқаришнинг шу соҳаси.

КАБЕЛЧИ Кабель ишлаб чиқарувчи ёки кабель ўтказувчи ишчи.

КАБЕЛЧИЛИК Кабелчи иши, касби. *Кабелчилик.. касблар орасида алоҳида фахр билан тилга олинади.* Газетадан.

КАБЕЛЬ [*голл.* kabel – лангар арқони] Ер остидан электр, телефон, радио тармоқларини ўтказиш учун ишлатиладиган, усти герметик ҳимояланган симлар ўрами. *Гуттаперчадан айниқса сув ости кабеллари учун изоляция материали сифатида кенг фойдаланилади.* «Фан ва турмуш». *Ўзгармас ток воситасида кабеллар орқали электр энергиясиини ўтказиш масаласи ҳам ҳал бўлган.* «Янги техника».

КАБИ *кўм.* Ўхшатиш, мослик ёки қиёсни билдиради: сингари. *У ҳам сен каби серзавқ.* ▬ *Бахтли онлар умр тунида юлдузлар каби чақнайди..* Ойбек, Танланган асарлар. *У шунча йиллардан бери гўдак каби аясининг паноҳида ухлаб ётган экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Энди дераза олдидаги тол новдалари назарида қудратли чинор каби тебраниб турарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

КАБИНА [*фр.* cabine] Бирор ишни бажариш учун махсус жиҳозланган кичкина хона, бўлма (мас., машиналарда унинг бошқарув механизмлари ўрнатилган ва бошқарувчиси ўтирадиган бўлмаси). *Хотини боласи билан кабинада – шофёр ёнида.* С. Аҳмад, Уфқ. *Учувчи кабинанинг эҳтиёт туйнугини очиб, ўзини самолётдан ташлади.* «Шарқ юлдузи». *«Мегалифтёр»да иккита қанот, тўртта реактив двигатель ва учувчилар кабинаси бор.* «Фан ва турмуш».

КАБИНЕТ [*фр.* cabinet] **1** Иш учун ажратилган махсус хона. *Олимнинг кабинети.* ▬ *Саттор Усмонов, ёш болани етаклагандек, Ёқубжонни.. бош инженер кабинетига бошлаб кирди.* Н. Сафаров, Чўл лочини. *Бу йил завод касаба уюшмаси комитети кабинети тўла ремонтдан чиқарилди.* Газетадан.

2 Корхона, муассаса ва ш. к. да масъул лавозимли раҳбар ўз вазифасини бажарадиган хона. *Муроджон Тожибоевнинг ҳашаматли кабинетию олиб юрадиган машинаси йўқ.* Газетадан. *Раис стол орқасидан чиқди, кабинет эшиги олдидаги бўш жойда қўлларини орқасига қилиб, у ёққа-бу ёққа юра бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Муассаса, корхона ва б. ларда илмий, амалий ва ш. к. ишларни олиб бориш, ўтказиш учун жиҳозланган, мосланган ва хосланган хона. *Ўқув кабинети. Рентген кабинети.* ▬ *Замонавий мураккаб асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари билан жиҳозланган кабинетлар.. бўлажак мутахассислар ихти-*

ёрида. Газетадан. *Биринчи марта аллергия билан касалланган бемор дарҳол аллергологик кабинетга мурожаат қилиши керак.* «Фан ва турмуш».

4 Баъзи давлатларда министрлар (вазирлар) ҳайъати, ҳукумат таркиби; ҳукумат. *Министрлар кабинети. Кабинетни тарқатиб юбормоқ.*

КАБИР [*а.* كبير – катта, буюк] **1** *эск. кт.* Катта, улуғ. *Муштларинг оғрийди чўнтакларингда: сен ҳамон кичиксан, бу олам – кабир.* Ш. Раҳмон. *Ёлғон гапирмоқлик – гуноҳи кабир!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Саҳройи Кабир *геогр.* Шимолий Африкадаги қуруқ иқлимли жуда катта ер, дашти биёбон, бепоён саҳро.

2 Етимлик ёшидан ўтган, балоғатга етган, улғайган. *Сағири бўлсин ул хоҳи кабири, чуқур фикри ҳамиша дастгири.* Ҳабибий.

3 Кабир (эркаклар исми).

КАБИСА [*а.* كبيسه – тақвимни тузатиш]: **кабиса йили** Тўрт йилда бир келадиган, 366 кунлик йил (бундай йилда февраль ойи 28 эмас, 29 кун бўлади).

КАБК [*ф.* كبک – каклик] *эск. поэт. айн.* **каклик**. *Кабк ила товусни рафторингга минқод айладинг.* Муқимий.

КАБОБ [*ф.* كباب – кўрада пиширилган гўшт] Асосан, гўштни сихга тортиб, кўрага териб, чўғ дамида пишириладиган, шунингдек, тандирда ёки қозонда ҳам тайёрланадиган таом. *Жигар кабоб. Лўла кабоб. Қийма кабоб. Тандир кабоб. Қозон кабоб.* ▬ *Тоғдан ҳайдаб тушилган қўйлар сўйилди, кабоб кўраларида арчанинг пистоқи кўмири чўғлатилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Рашид икки кулча нон орасига олинган кабобнинг сихи бандини Муҳаррамга тўғрилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Бағри (*ёки* **юраги, дили, жигари, кўкси) кабоб бўлмоқ** Қаттиқ куйинмоқ, руҳий азоб тортмоқ. *Дили кабоб бўлган Полвон бу йигит воқеасини тўлароқ билмоқчи эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кабоб бўлмоқ** Иссиқдан ниҳоятда қийналмоқ, «куйиб-ёнмоқ». *Иситма ичида кабоб бўлиб, ҳаллослаб ётган Қулмуҳаммад ошнасига бақрайиб қараб қолди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Тошкентнинг иссиқ кўчаларида бир киши кабоб бўлиб юрибди, у – Умид.* Мирмуҳсин, Умид. **Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.** *қ.* **сих.**

КАБОБПАЗ [*ф.* كبابپز – кабоб пиширувчи] Кабоб пиширувчи ва кабоб сотувчи. *Кабобпазнинг елпиғичи мовий дудлар билан ёқимли ҳид таратади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. -*Пули борга кабоб, пули йўққа дуди кабоб, кеп қолинг!* – *қичқирди кабобпаз.* К. Яшин, Ҳамза.

КАБОБПАЗЛИК 1 Кабобпаз иши, касби. *Кабобпазлик қилмоқ.*

2 Кабоблар тайёрлаб сотиладиган жой; кабобхона. *Кабобпазликда ишламоқ. Кабобпазликка бормоқ.*

КАБОБХОНА Кабоб пишириб сотиладиган жой, дўкон. *Шаҳарнинг сўлим бир жойида кабобхона бор экан.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин.

КАБОБХЎР [*ф.* كبابخور – кабоб еювчи] Кабоб еювчи, кабобни яхши кўрадиган ва ейдиган. *Бир кабобпаз бор-у, кабобхўрдан дарак йўқ.* И. Раҳим, Тақдир.

КАБОБХЎРЛИК Биргаликда, одатда махсус ташкил этиб кабоб ейиш. *Атайин кабобхўрликка келганмиз-а, укам!* «Гулдаста».

КАБОБЧИ *айн.* **кабобпаз**. *Кабобчи улардан наридаги столда ўтирганлар билан гаплашиб қайтди.* «Гулдаста».

КАБОТАЖ [*фр.* cabotage] Бир мамлакатдаги портлар ўртасида юк ва пассажирларни денгиз транспорти (кема)да ташиш.

Катта каботаж Турли денгизлардаги портлар ўртасида шундай кема қатнови. **Кичик каботаж** Бир денгиз портлари ўртасида шундай кема қатнови.

КАБУТАР [*ф.* كبوتر – каптар] *кт. айн.* **каптар**. *Кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб.. ўйнашар эди.* Ойбек, Навоий.

КАВАК [*ф.* كاواک – ичи бўш, ўйиқ, ичи тешик] **1** Чириш, нураш ва ш. к. натижасида бирор нарсада ҳосил бўлган чуқурча, бўшлиқ. *Дарахт каваги. Тиш каваги. Қоядаги каваклар.* ▬ .. *биз уларни, қайси тоғ-тош кавагига беркинса ҳам топиб, Сотиболдининг ўчини олмай қўймаймиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Умурзоқ ота кавак толга қоқилган михларга осиғлиқ қармоқларни олиб, кўздан кечираркан.. мийиғида жилмайиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Умуман, бирор нарса ичидаги табиий бўшлиқ. *Қамиш каваги. Суяк каваги.*

3 *с. т.* Ин, уя. *Сичқон каваги. Чумчуқ каваги.*

4 *кўчма* Пана, яширин жой, ўрин. *Бўронбек дом-дараксиз кетди. Яна бирор кавакда ётган бўлса керак-а, Мулла Мирҳосил?* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Уни йўқ қилиб, ўзинг қайси кавакка беркинасан!?* П. Турсун, Ўқитувчи. *«Навбаҳор» чойхонаси кавакларига эса 672 килограмм гўшт, 124 килограмм колбаса.. яшириб қўйилган экан.* Газетадан.

КАВАКЛАМОҚ *кам қўлл.* Кавак ҳосил қилмоқ, ўймоқ. *Кетай энди, кетиб обрўларим халқ ичра тобора, Каваклаб жисму жоним, бағрими парвардалар қилдинг.* «Муштум».

КАВАЛЕР I [*фр.* cavalier – отлиқ] Орден билан мукофотланган киши; нишондор. *«Мустақиллик» ордени кавалери. «Меҳнат шуҳрати» орденининг кавалери.*

КАВАЛЕР II [*фр.* cavalier < *итал.* cavaliere] *с. т.* Бирор аёл билан бирга бўлиб, суҳбатлашиб юрувчи, кузатиб борувчи ёки бирга ўйинга, рақсга тушувчи эркак. [*Қиз:*] *-Сиз маданиятсиз кавалер экансиз-ку, – деб ҳазиллашди-да, қўлтиқлаб олмоқчи бўлди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

КАВАЛЕРИСТ Кавалерияда хизмат қилувчи ҳарбий; отлиқ аскар. *Армияда кавалерист бўлиб хизмат қилмоқ.*

КАВАЛЕРИЯ [*фр.* cavalieria] Отлиқ қўшин. *Кавалерия полки.* ▬ *Жўрақул Самарқанд шаҳрида жойлашган кавалерия қисмидаги бўлинмаларнинг бирига командир қилиб тайинланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

КАВАР [*ф.* کور, کوار – ковул, кавар] Ер бағирлаб ўсадиган жануб ўсимлиги ва унинг қовунга ўхшаш чўзинчоқ майда меваси.

КАВЕРНА [*лот.* caverna – ғор; бўшлиқ] *тиб.* Бирор аъзонинг, хусусан, ўпка тўқимасининг бузилиши, ўлиши натижасида пайдо бўлган кавак, бўшлиқ. *Ўпка кавернаси.*

КАВКАБ [*а.* كوكب – юлдуз] *эск. поэт. айн.* **юлдуз 1**. *Ҳуснинг тажаллисидин бетоб моҳрўлар, Андоқки зоҳир ўлмас хуршид, чиқса кавкаб.* Нодира.

КАВОБ *с. т.* Кабоб.

КАВОБЧИ *с. т.* Кабобчи.

КАВРАК Уруғидан кўпаядиган кўп йиллик ўсимлик. *Бу ерда бултурдан қолган каврак, қуриган бодомча, тағин аллақандай тиканлар мўл эди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *Каврак, уруғидан яхши кўкарадиган кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 1 метрга етади.* «Фан ва турмуш». *Қарши чўли кўкламда жуда серўт бўлади, унда «каврак» деб аталувчи, кишининг иштаҳасини очадиган ўтлар ўсади..* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи.

КАВСАР [*а.* كوثر – сероб, мўл; жаннатдаги дарё номи] Ислом дини эътиқодига кўра жаннатдаги ғаройиб дарё ёки ҳовузнинг номи. *Баъзи ривоятларга қараганда, фаришталар жаннатдаги кавсар сувидан.. қумғонларимизга қуйиб кетар эмиш.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ҳиротликлар ўз шаҳарлари билан фахрланар, унинг тупроғини олтинга, боғларини жаннатга, сувларини кавсарга ўхшатар эдилар.* Ойбек, Навоий.

Ҳавзи кавсар *айн.* **кавсар**.

КАВУШ [*ф.* كفش – оёқ кийими, бошмоқ] Чармдан тикилган ва одатда маҳси билан кийиладиган оёқ кийими. *Заифона кавуш. Бачкана кавуш.* ▬ *Отабек кавушини даҳлизга ечди-да, уй бўйига бир-икки қайта юрди ва энтикиб нафас олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кавуши тўғри бўлмоқ Қувилмоқ, ҳайдалмоқ. **Кавушим кўчада қолгани йўқ** *айн.* **оёғим кўчада қолгани йўқ** *қ.* **кўча**. *Чорламаган жойга бориш учун сенинг кавушинг кўчада қолган эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кавушинг тўғри** Жўнай бер, йўқол. **Кавушини тўғрилаб қўймоқ** Бировни ҳайдаб юбормоқ, қувиб юбормоқ. *«Йўқол, кўзимга кўринма!» деб, шу заҳотиёқ кавушини тўғрилаб қўйиши мумкин.* А. Мухтор, Туғилиш.

КАВУШАНДОЗ [*ф.* کفشانداز – кавуш ечувчи] Уйнинг оёқ кийими ечиб қўйиладиган махсус ери; даҳлиз. *Домулла ғулдураб, бир нави дуо қилди-да, кавушандозга тушиб, калишини аввал пойма-пой кийиб, букчайиб, бошқатдан тўғрилаб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

КАВУШДЎЗ [*ф.* کفشدوز – кавуш тикувчи; этикдўз] Кавуш тикадиган косиб. *Кавушдўзга шогирд тушмоқ. Кавушдўзга кавуш тиктирмоқ.* ▬ *Калиш кавушдўз косибларнинг ва вофурушларнинг бозорини касод қилган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАВУШДЎЗЛИК Кавушдўз касби. *Кавушдўзлик қилмоқ. Кавушдўзликни ўрганмоқ.* ▬ *Бирон касб-ҳунар билан.. кулолчилик ёки.. кавушдўзлик билан машғул бўлувчилар ҳам анчагина.* Ойбек, Навоий.

КАВУШЧАН Яланг оёққа фақат кавушнинг ўзини кийган. *Кавушчан киши. Кавушчан юрмоқ.*

КАВШ: кавш қайтарувчилар Чайнаб ютилган овқатни оғизига қайтариб чиқариб, қайта кавшовчи ҳайвонлар. **Кавш қайтармоқ** Чайнаб ютилганни оғизга қайтариб чиқариб, қайта кавшамоқ. *Тирсиллаган қўйқўзилар куни билан қоринларига йиққан овқатларини, бамайлихотир ётиб, кавш қайтараётгандир.* С. Анорбоев, Оқсой.

КАВШАМОҚ 1 Овоз чиқариб чайнамоқ, емоқ (ҳайвон ҳақида). *Фақат.. отларнинг беда кавшаб, депсингани эшитилади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *дағл.* Чайнамоқ, емоқ (одам ҳақида). *Матқовул.. ноннинг катта бир бўлагини синдириб, оғзига солди-да, суҳбат охиригача шуни кавшади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Элмурод ўйчан бир ҳолда нон кавшаб, чой ичар экан, Ойимхон.. янгиликлар тўғрисида унга маълумот берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАВШАР [*ф.* كفشير – металларни пайвандлашда ишлатиладиган модда; танакор] **1** *тех.* Металл буюм, деталь ва ш. к. ни бирбирига улаш учун эритиб ишлатиладиган металл ёки қотишма. *Кавшар қилмоқ.*

2 *кўчма* Гап, суҳбатни бир-бирига улаш, уни давом эттириш учун сабаб, восита. *Мақол – гапнинг кавшари.* ▬ *Ҳаммамиз ўтирибмиз, қани энди, биронтамиздан садо чиқса!.. Хайрият, ҳалиги қиз бор экан – гапга кавшар бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАВШАРЛАГИЧ Кавшарлайдиган асбоб. *Кавшарлагични қиздирмоқ. Электр кавшарлагич.*

КАВШАРЛАМОҚ Металларни ёки бошқа қаттиқ материалларни кавшар билан бир-бирига уламоқ, кавшар қилмоқ. *Самоварнинг ўтхонасини кавшарламоқ.*

КАВШОВЧИ 1 Кавшамоқ фл. сфдш.

2 Кавш қайтарувчи (ҳайвонлар ҳақида).

КАГОР [*фр.* Caoure – Каор (Кагор) шаҳри номидан] Қизил рангли узум навларидан тайёрланадиган ширин вино тури.

КАДАР [*а.* كدر – хиралик, лойқалик; ғам, ғусса] *эск. кт.* Мунг, маҳзунлик; хафалик, ғашлик. *Оти шароб, ўзи заҳар, Менда йўқдир ҳеч бир кадар.* Ислом шоир. *Қалбимда на севинч, на кадар.* Миртемир. *Бу кадар – енгмоққа яна етади ҳам ортар бардошинг.* Ш. Раҳмон.

КАДАСТР [*фр.* cadastre < *юн.* katastichon – варақ, рўйхат] **1** Муайян объектлар ҳақидаги аниқ ва тартиблаштирилган ахборотлар мажмуи, рўйхати. *Ер кадастри. Сув кадастри.* ▬ *Ер кадастри қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни тағин ҳам аниқроқ режалаштиришга.. ёрдам беради.* Газетадан.

2 Жон бошига солиққа тортиладиган шахслар рўйхати.

3 Объектларнинг баҳоси ва ўртача даромади ҳақидаги, солиққа тортиш учун фойдаланиладиган маълумотлар.

КАДЕТ I [*фр.* cadet – кичик, ёш] *тар.* Чор Россиясида кадет корпуси – дворянларнинг болалари учун мўлжалланган ёпиқ ҳарбий ўқув муассасасининг ўқувчиси.

КАДЕТ II [*р.* «конституцион демократ(лар)» бирикмасининг бош ҳарфларидан] 1905 йилда ташкил топган, конституциондемократик партия деб аталувчи партиянинг аъзоси.

КАДИ [*ф.* كدو – қовоқ] *шв.* Қовоқ, ошқовоқ; уларнинг пўстлоқ қисмидан тайёрланган идиш. *Сув кади. Қимиз кади.* ▬ *Бўрининг онаси кадини чуқурчага яхшилаб жойлаштириб қўйди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КАДМИЙ [*лот.* cadmium < *юн.* kadmeia – рух рудаси] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушсимон оқ юмшоқ металл.

КАДР I [*фр.* cadre – ром < *лот.* quadrum – тўрт бурчаклик] **1** Киноплёнка ёки фотоплёнкадаги алоҳида-алоҳида суратлардан бири; битта сурат, якка расм. *Кунлар кино лентасининг кадрлари сингари бир-биридан фарқсиз, аммо ҳаётда янгидан-янги манзаралар вужудга келтириб ўтар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Кинофильмнинг айрим бир кўриниши, битта эпизоди. *Бадиий фильм кадрлари.* ▬ *Маҳди дастлабки кадрни кўриши билан бир тўлғанди, ўрнидан турмоқчи бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КАДР II [*фр.* cadres – шахсий таркиб] **1** Корхона, муассаса ва ш. к. нинг махсус тайёргарликка эга бўлган хизматчи, ишчи ва ходимлари. *Кадр етказиб бермоқ. Кадр тайёрламоқ. Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади.* ▬ *-Бу киши шунақа, ўртоқ Тўқсонов, – деб тўнғиллади Тожибой, – «Илмим бор кадрман» деб, бизниям назарга илмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кадрлар бўлими Корхона ёки муассасанинг ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва ш. к. ишларни бошқарувчи бўлими.

2 *ҳарб.* Ҳақиқий хизматдаги командирлар ва оддий аскарлар таркиби.

КАДХУДО [*ф.* كدخدا – қишлоқ оқсоқоли] **1** *эск.* Кент бошлиғи, қишлоқ оқсоқоли. .. *Қуванинг кадхудосини топиб, унинг ёрдамида дурадгор усталарни кўприк тузатишга ҳайдаб чиқди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу иш юқори мартабали кимса ҳамроҳларига, кадхудога ёқарди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 *шв.* Эл-халқ ўртасида гап-сўзи ўтадиган кекса киши; маҳалла оқсоқоли. *Тўйни бошқараётган икки кадхудо ва хонадон соҳибини чақиртириб..* М. Қўшжонов, Дийдор.

КАЖ [*ф.* كج – эгри, қинғир] **1** *эск. кт.* Тескари, чаппа. *Менга худо ғолиб қилди золимни, Золим фалак кажга урди фолимни.* «Равшан». *Ёш кўнгилга қилар таъсир фалакнинг каж хислати, Кўз олдидан ўтар бирбир шоирларнинг қисмати.* Э. Воҳидов.

2 Қийшиқ, эгри. *Сулувнинг ёнида турган қовоқ косадаги тиниқ сув, кўзгудай йилтиллаб, Бибиқатчанинг оқариб кетган юзини каж қилиб кўрсатди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

КАЖАВА [*ф.* كجاوه – уй ҳайвонлари устидаги соябонли ўтиргич] **1** Одатда иш ҳайвонларига ортиб, юк ташиш учун дарахт новдалари ёки қобиғидан, шунингдек, махсус ясалган катта, кенг чорқирра идиш. *Сават кажава. Тери кажава.* ▬ *Келаётган сарбозларнинг бири бир қоп арпа, бири бир кажава узум, яна бири бир қоп қовун.. кўтариб келарди.* С. Айний, Дохунда. [*Носир:*] *Кажавага юкланган кўзачалардаги сув ҳам тугабди.* Туйғун, Йиллар ва кишилар.

2 От, хачир, фил, туя каби ҳайвонлар устига ёки ёнига ўрнаштирилган ва одам олиб юриш учун мосланган ўриндиқ. *Туяга ортилган кажава ичига ўтириб олиб, кечаси бир оз мизғиб олган Заҳро..* М. Осим, Элчилар.

3 Машина, мотоцикл кабиларга тиркаладиган мослама, аравача; коляска. *Икромжон мотоцикл кажавасига ўтириб олди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

Кажава қорин Қорни катта, катта қоринли. *Юртимизда оми-эшон, шайху машойих, кажава қорин, тўнка мўйин.. корчалонларимиз жуда кўп.* З. Саид, Ноумид шайтон.

КАЖАВАЛИ Кажаваси бор, кажава ортилган, тиркалган. *Кажавали машинанинг орқа эшиги очиб қўйилган, остонада тўртбеш хотин-халаж тўпланиб турар..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Дам олиш куни бўлгани учун комендант ишга бормаган, кажавали мотоцикли эшиги олдида турган экан.* С. Нуров, Нарвон.

КАЖБАҲС [каж + *а.* بحث – муҳокама; изланиш] Мантиқсиз баҳс-мунозара қилувчи; ўжар, тихир. *Кажбаҳс одам.* ▬ *Дарвеш Ҳожи ҳеч кимнинг фикри билан келишолмайдиган ўжар, кажбаҳс эди.* Ойбек, Навоий.

КАЖБАҲСЛИК Кажбаҳсга хос хусусият, қилиқ, одат. *Кажбаҳслик қилмоқ.*

КАЖРАВ [*ф.* كجرو – ахлоқсиз; тескари юрувчи] *эск. кт.* Эгри юрувчи, тескари, нотўғри иш қилувчи. *Сен билан бўлмоқни ҳар дам кўнглим айлар ихтиёр, Қилмагай деб кўрқаман кажрав фалак рашку ҳасад.* Ҳабибий.

КАЖРАФТОР [*ф.* كجرفتار – тескари юрувчи; маккор] *айн.* **кажрав**. *Бироқ кажрафтор фалак уни ҳам бағрида қора доғи билан ўрда томонга судрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Чархи кажрафтор Тескари, нотўғри иш қиладиган дунё (замона ёки тақдирдан шикоят қилиб айтиладиган ибора). *Бу қандай чархи кажрафторки, ини ўз оғасининг кўзига чўп солса..* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

КАЗАК [*турк.* қазақ – эркин одам] **1** Рус давлатида 15–17-асрларда крепостной деҳқон ва шаҳар камбағаллари орасидан Дон, Ёйиқ (Урал), Запорожье каби чекка жойларга қочиб борган эркин киши, рус қозоғи. *Запорожье казаклари.*

2 Чор Россиясида 18-асрдан бошлаб ердан имтиёзли фойдаланиш эвазига ҳарбий хизматни адо этишга мажбур бўлган, Кубан, Оренбург, Дон, шунингдек, аскар олинадиган бошқа ҳудудларда яшовчи ҳарбий табақа вакили ва шу табақа вакилларидан иборат қўшинлардаги аскар. *Баланд бўйли, пахмоқ сочли, дов казак аскарлар халқни уриб, ниқтаб, орқага суришга тиришди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пешинга бориб халқ зўрлик қилди. Казак аскарлари сафи сийраклашди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Собиқ Иттифоқдаги айрим (илгари аскар олинадиган) ҳудудларнинг туб аҳолисига мансуб киши.

КАЗАРМА [*итал.* caserma < *лот.* casa – уйча, кулба] **1** Ҳарбий қисм жойлаштириладиган махсус бино. *Буларнинг [Кавказ*

отлиқларининг] казармалари амир турадиган жойларнинг ҳар бирига яқинроқ ерларда бино қилинган эди. С. Айний, Эсдаликлар. *Дам олишга команда берилгач, казарма беш дақиқа ола-ғовур бўлиб турди-ю, кейин бирдан тинчиб қолди — жангчиларнинг ҳаммаси ўз ўрнига ётди.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси.

2 Чор Россиясида, ҳозирги айрим хорижий мамлакатларда ишчиларнинг фабрика ва корхона қошидаги умумий ётоқхонаси. *-Ҳозир шаҳардан анчагина узоқ бир ерда казармалар қуряпмиз, — деб ёзган эди хатида Эргаш.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

КАЗЕИН [*лот.* caseus (casei) — пишлоқ, сир] Сутда бўладиган мураккаб оқсил модда (бўёқ, елим, лак, доривор моддалар ва ш. к. тайёрлашда ишлатилади). *Казеин заводи. Казеин олмоқ.* ▬ *Сут таркибида казеин, лактоглобулин.. деб аталадиган оқсиллар бор.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

КАЗЕМАТ [*фр.* casemate < *итал.* casamatta] **1** *ҳарб.* Шахсий таркиб ва қурол-аслаҳаларни душман артиллерия ўқлари ва бомбаларидан сақлаш учун (ер ости ёки устига) қурилган мудофаа иншооти. *Тўда қий-чув, йиғи-сиғи билан отишмаларни оралаб, қалъадаги казематлардан бирига ўзини олди.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

2 *ҳарб. денг.* Кемаларда ўрта калибрли тўплар ўрнатиладиган ва шахсий таркибни ҳимоя қиладиган, зирҳ билан қопланган хона. *Кема каземати. Тўп ўрнатилган каземат.*

3 Чор Россиясида турма-қалъаларда сиёсий маҳбуслар якка-якка қамаб қўйиладиган хона(лар). *Петропавловск қалъасининг казематлари.*

КАЗЗОБ [*а.* كذّاب — ёлғончи; сохта, алдоқчи] **1** Ёлғон сўзлар сўзловчи, ёлғончи, алдоқчи. *-Мен уни дўст деб юрсам, илоннинг ёғини ялаган каззоб экан, — деди Остонақул.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Заҳрони тилга олиши билан риёкор мутаваллининг хунук кўзлари, чўққи соқоли кўзига кўриниб кетди: «Ҳа, каззоб..» — деб сўкиниб қўйди.* М. Осим, Элчилар.

2 Шундай шахсга нисбатан сўкиш, ҳақоратни билдиради. *Ҳўв, каззоб! Қарзингни узмай, нерга борасан?* С. Сиёев, Аваз.

КАЗЗОБЛИК Каззобга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Мен уни каззобликда айблаб, зиндонга ташладим.* М. Осим, Карвон йўлларида.

КАЗИНО [*итал.* casino — уйча] Ресторани ва эстрада томошаларига эга бўлган қиморхона.

КАЗО-КАЗО [*а.* كذا — шундай, шу каби]**: казо-казолар** Илм, амал, бойлик, донолик каби хислатлари билан танилган юқори мартабали кишилар. *Маҳалланинг балохўри афандини чақириб: -Уйингизга ош буюринг, казо-казолар келишган, кириб чиқамиз, — деди.* «Латифалар». *Ғиёсиддин тилмочлик қилиб юрган кезларда, шаҳарнинг казо-казолари билан оғиз-бурун ўпишиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КАЙВОН [*ф.* كيوان — Зуҳал (Сатурн) юлдузи] **1** (*К - катта) астр. эск.* Зуҳал [Сатурн] сайёрасининг форсча номи.

2 *фольк.* Баланд айвон. *Унда ҳам кўшку айвон, Зарварақли олтин кайвон, Зиёдонлар алвон-алвон.* «Равшан».

КАЙВОНИ [*ф.* كيوانى — Кайвонга оид; қорача] **1** Ёши улуғ, кўпни кўрган, кўп нарсани биладиган. *Эртаси кун пешинда Санам холани, кайвонилар қатори, бўлажак бир тўйининг маслаҳатига чақиришган эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Кайвони момо келинни тўйловчиларга салом бердира берди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Умуман, кўп нарса биладиган, уддабурон. *Ўн бир арава тўн ортти.. соп қизлардан ўн битта кайвони қиз қўшиб.. аравага миндирди.* «Ойсулув».

3 *шв.* Дастурхончи. *Аёллар сизни кайвони бўлсин деяпти.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КАЙМАН(ЛАР) [*исп.* caiman < *индейс тилларидан*] Марказий ва Жанубий Америка сувларида яшовчи аллигаторлар (тимсоҳлар) оиласига мансуб учта турнинг умумий номи.

КАЙНОЗОЙ [*юн.* kainos — янги + zoe — ҳаёт]: **кайнозой эраси** Ернинг геологик тарихида палеозой ва мезозой эраларидан кейинги, ҳозирги даврни ҳам қамраб олувчи энг янги эра. *Тошкент замини ва ер усти қиёфасининг шаклланишида энг янги — кайнозой эраси ҳал қилувчи аҳамият касб этган.* «Фан ва турмуш».

КАЙФ [*а.* كيف — роҳат, ҳузурланиш] **1** Руҳий ҳолат; кайфият. *Кайфи яхши. Кайфи чоғ. Кайфини бузмоқ.* ▬ *Камбағал учун ўз ҳақини талаб қилиш ҳам қийин. Чунки хўжайиннинг хурсанд ва хурсанд бўлмаган*

чоғлари бўлади. Олдин унинг кайфини билиш керак. Ойбек, Танланган асарлар. *Дарҳақиқат, мингбоши бугун тетик, кайфи жойида кўринарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Рузвон хола ўзининг қайғули гаплари билан ўғлининг кайфини бузиб қўйганини пайқаб ачинди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Кайфи учмоқ Ниҳоятда қўрқмоқ, чўчиб, ўзини йўқотиш даражасига етмоқ. *-Бундоқ денг-да. Кайфим учиб кетди-я! — деди қори ва ёқасини катта очиб, кўкрагига уч марта туфлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Кишининг яхши, ёқимли, ҳузур-ҳаловатли ҳолати. *Агар ўз кайфингиздан кечсангиз, яхши билингизки, бир эмас, икки жонни азобдан қутқарган бўласиз, онажон!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир бечоранинг сизнинг кайфингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлигини ўйлаб, ҳар куни бир қат этдан тушаман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор нарса таъсиридан юз берадиган ёқимли, кўтаринки (роҳатбахш) ҳис-туйғу, ҳиссиёт. *Кечалар кайфи, Оқшомлар файзи..* М. Шайхзода. *Янги ерни обод қилишда ўзгача кайф бор.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Шеър кайфи кун бўйи қилди бетоқат..* С. Зуннунова. *Унинг майин, қўнғироқдек янгроқ, ширали овози Ҳамзага алоҳида кайф бағишлади.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Ичкилик ва бошқа маст қилувчи (кайф берувчи) нарсанинг таъсири, таъсир этиш хусусияти. *Ароқнинг кайфи. Нашанинг кайфи.* ▬ *Афюннинг кайфи қурсин, домла, сизни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тантибойвачча кечаги базм ва ичкилик кайфини бутун кун чўзилган уйқу билан тиниқтириб, қўрғон эшигидан боғ ташқарисига чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чинни коса беш-олти бор қўлдан қўлга ўтгандан кейин, ҳар икковининг ҳам боши хийли оғирлашиб, кайф ғалаба қила бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

5 Ана шу нарсалар, унинг кайфи таъсирида (ичиш, чекиш ва ш. к. натижасида) юзага келадиган руҳий ҳолат; мастлик. *Беш-олти қадам нарида кайф билан алжираётган йигитларнинг бири келиб, унга тегажаклик қилди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

6 *с. т.* Умуман, кайф берувчи нарса (нос, сигарета ва б.). *Қани, кайфдан олинг* (оддий сўзлашувдан).

Кайфини сурмоқ 1) роҳат-нашъасини туйган ҳолатда бўлмоқ. *Чилла ҳавосини симириб, Қиш сайрининг кайфини сурдим.* С. Акбарий, Меҳригиё. *Ҳалол ишлаб, турмушни гуллатиш, кайфини суриш керак.* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) мастлик (кайф) таъсирида бўлмоқ, унинг таъсиридан «ҳузур, роҳат»да бўлмоқ. *Ароқнинг кайфини сурмоқ.* ▬ *Мирали бува кўкнорини ичиб, кайфини сураверади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ана, банги тўра юмшоқ курсида афюннинг кайфини суриб, кўзлари сузилиб ўтирибди.* С. Сиёев, Аваз. **Кайфи қочмоқ** 1) кайфи (мастлиги) тарқамоқ; 2) кайфияти бузилмоқ. *Тўранинг ниҳоятда кайфи қочди, жаҳл отига миниб, оқсоқол билан имомни еб қўйгудек ёввойи қараш қилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кайф қилмоқ** 1) ичкилик, наша ва ш. к. кайфи таъсирида бўлмоқ. *Ароқ ичиб кайф қилмоқ.* ▬ *Салом кейинги вақтларда ишдан кўпинча кеч ва кайф қилиб, баъзан, ҳатто ўлгудек маст бўлиб келадиган бўлиб қолди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Мирали бувани қўрқитамиз. Ҳозир кўкнорини ичиб, кайф қилиб ўтирибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) бирор нарсанинг ёқимли таъсирида бўлмоқ; роҳатланмоқ. *Домла қаерда ҳам музика ва ашуладан кайф қилиб ўтириб: «Худоё тавба, музиканинг хумориси тутар экан..» — деган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАЙФИЯТ [*а.* كيفيت — ҳолат, ҳол] **1** Кишида ички кечинма, интилиш ва ш. к. билан боғлиқ, унинг таъсирида юзага келувчи ҳолат, руҳий ҳолат. *Хушнуд кайфият. Кайфияти бузуқ. Кайфияти ўзгармоқ.* ▬ *Инсон кайфияти, унинг иш натижаси меҳнат шароитига кўп жиҳатдан боғлиқдир.* Газетадан. *Унинг лабларидаги табассум, дилида мавж ураётган шодлик, висол дақиқаларидагина бўладиган кайфият менинг қалбимда бош кўтарай деб турган ўйларни уйғотишга йўл қўймасди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Оғайнилар тушкунликка тушмадилар. Қувноқ ва тетик кайфиятда хайрлашдилар.* «Гулдаста».

2 Муайян бир ички интилиш, кечинма, руҳий ҳолат ва ш. к. лар ифодаловчи, акс эттирувчи ҳолат. *Хотиржамлик кайфияти. Байрам кайфияти. Ишчанлик кайфияти.* ▬ *Ишчилар билан солдатлар ўртасида қандайдир бирдамлик кайфияти сезиларди.* О. Раҳимов, Шонли кунлар хотираси. *Бу бардамлик Йигиталини бир лаҳзада ҳамма нарсага бепарво қараш кайфиятидан халос қилди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 Яхши, ёқимли вазият, ҳолат. *Уларнинг кайфиятига кайфият қўшолган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.* Газетадан.

КАЙФЛАНМОҚ *кам қўлл.* **1** Таъсирланмоқ, таъсиридан ҳузурланмоқ. *Хотинининг тирноқ остидан кир излаб ва даъвосининг исботи учун ғўлдирашидан ортиқча кайфланган Юсуфбек ҳожи кўзига чиққан ёшларни артар экан, жиддият билан ўғлига деди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кайф қилмоқ, маст ҳолатда бўлмоқ.

КАЙФЛИ 1 Кайфи бор, маст. *Олма шохида осиғлиқ турган чироқ енгил эсган шабадада тилини чўзиб оларди. Бу кайфли Валихонга халқ исёнини эслатди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Кайф берадиган, маст қиладиган, ақлу ҳушини оладиган. *Кайфли ичимлик.*

3 *кўчма* Баҳр-дилни очадиган, завқ-шавқ бағишлайдиган, завқли. *Кайфли манзара.* ▬ *Ўрдак, ғознинг кайфли ери кўл бўлсин..* «Эрали ва Шерали».

КАЙФ-САФО, **кайфу сафо** Майхўрлик, зиёфат, ўйин-кулги ва ш. к. билан кўнгил очиш; айш-ишрат. *Кайф-сафо сурмоқ (қилмоқ). Кайф-сафога берилмоқ.* ▬ *Кечга бориб хон «Ғолиблар шарафига.. зиёфат берилсин», деб фармон берди. Тонготар базм бўлиб, кайфу сафо сурилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Енгил-елпи ҳавас, кайф-сафо учун Қурбон қилинади вафо ва ихлос.* Ж. Жабборов.

КАЙФСИЗ 1 Кайфи бузуқ, кўнгли ғаш, таъби хира; хафа. *Бектемир Полвоннинг баъзан зарда билан пишқириб қўйишидан ёки оғир хўрсинишидан унинг шу топда дилгир ва кайфсиз эканини пайқайди..* Ойбек, Қуёш қораймас. [*Абдураҳмон*] *Бир неча ойлар ниҳоятда руҳсиз, кайфсиз ва дарсига ҳам ҳафсаласиз давом этиб юрди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Кайфи йўқ, маст эмас. *Бугун кайфсиз келди.*

КАЙФСИЗЛАНМОҚ Кўнгли ғаш бўлмоқ, таъби хира бўлмоқ; хафа бўлмоқ; авзои бузилмоқ. *Домла Саидийнинг шундай кайфсизланганини билмай, «жеркиганимга хафа бўлди» деб, кўнглини олмоқчи бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

КАЙФЧИЛИК Мастлик («Бирор нарсанинг сабаби мастлик» деган маънони билдиради). *Жон, дўхтир, кайфчилик, оғзимдан чиқиб кетибди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

КАКА *бол. айн.* **ширинлик 2: қумалоқни кака демоқ (***ёки* **ҳисобламоқ)** Аслида ёмон нарсани, тушунмасдан ёки бирор мажбурият остида яхши демоқ. *Кишининг дўпписи тор келганида, қумалоқни кака ҳисоблаб қолар эмиш.* А. Қодирий, Обид кетмон.

КАКАО [*исп.* cacao < *индейс тилларидан*] **1** Уруғидан шоколад тайёрланадиган доим яшил тропик дарахт; шоколад дарахти. *Какао плантацияси. Какао ўстирмоқ.*

2 Шу дарахтнинг уруғи ва ундан махсус тайёрланган кукун. *Бир банка какао.* ▬ *Чой, кофе, какао.. таркибида алкалоидлар бор.* С. Акрамов, Гиёҳ кимёси.

3 Шундай кукундан қўшиб тайёрланган ичимлик. *Какао ичмоқ.*

КАКИЛЛАМОҚ *айн.* **какирламоқ.**

КАКИР-КАКИР *тақл. с.* Какликнинг сайрашига ўхшаш узуқ-узуқ овоз ҳақида. *Какликлар ҳам уйғонди — ўткир какир-какирлар тоғ харсангларига урилиб, акси садо билан яйловга тарала бошлади.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

КАКИРЛАМОҚ «Какир-какир» деган овоз чиқармоқ; какилламоқ (баъзи қушлар ҳақида). *Каклик какирлайди.* ▬ *Ола қанотли лайлакнинг какирлаб, баҳордан хабар берганига.. анчагина бўлди.* «Қаҳрамонлар».

КАККУ, какку қуш Ўзи ин қурмасдан, бошқа қушларнинг инига тухум қўядиган, «какку» деб сайрайдиган ўрмон қуши. *Узоқ-узоқдан какку қуш ҳам арзи вужуд қилади: «какку-какку».* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КАКЛИК Товуқсимонлар оиласига мансуб сайроқи тоғ қуши. *Каклик овози. Каклик боқмоқ. Какликдек йўрғаламоқ.* ▬ *Элмурод овга чиқиб, тоғ жилғаларининг катта тошлари панасида писиб ётиб, каклик пойлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳакимбойвачча..* [*элликбошини*] *бир катта хитой лаганда уйилган қирғовул, каклик гўшти қовурмаси билан зиёфат қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАКРА 1 Кўпинча ғалла экинлари орасида ўсадиган кўп йиллик тахир, талха ўсимлик. *Ариқнинг нариги ёнида какра, супурги, шўра.. яна аллақандай ёввойи ўтлар ғовлаб ётар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Тахир, аччиқ. *Кўк чой какра бўлиб кетибди. Оғзим какра бўлиб кетяпти.* ▬ *Янглишиб сўзлаш ахир, Маъноси какра-тахир.* Қ. Муҳаммадий.

КАКТУС [*лот.* cactus < *юн.* kaktos – тикан, тиканак] Жанубий ўлкаларда ўсадиган, тикан билан қопланган, баргсиз, этдор танали ўсимлик (манзарали ўсимлик сифатида кенг тарқалган). *Экинзорларнинг атрофи 2,5 метр баландликдаги хушбичим кактуслар билан қуршалган.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Кактус ўсимлигининг асосий ватани Мексикадир.* Газетадан.

КАЛ 1 Терининг замбуруғ касаллиги; кўпинча, бошнинг сочли қисми ва тирноқ зарарланади; сочни тўкиб юборадиган юқумли тери касаллиги. *Кал юқтирмоқ. Кални даволамоқ.*

2 Шундай касалга учраган киши. *Каллар махсус шифохонада даволанадилар.*

3 Бошнинг сочи тўкилган ери. *Бошнинг калини бекитиб юрмоқ.* ▬ *-Хайр, майли, – деди бошқа бир ишчи, – уларнинг кал бошларини милтиқ дориси билан даволаймиз.* С. Айний, Қуллар.

4 Сочи бутунлай ёки қисман тўкилиб кетган киши. *Қалинроқ ўртоғим Аъзам кал ҳамма каллар сингари гапга чечан, қочириқ гапларни гапириб, муллаваччаларни ва ҳаттоки пешқадамларни кулдирар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Кошкийди қорача бўлиб туғилган бўлсам, кўргами, калгами тегиб, сизнинг таънангизни.. эшитмас эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Калнинг нимаси бор? - Темир тароғи бор! Бор (одатда, арзимас) нарсани қизғанадиган хасис одам ҳақида айтиладиган матал. **Тепа кал, тепакал** 1) бош тепасидаги соч тўкилиб кетган жой. *Саидғози.. Хўжабековнинг тепа калига боқиб, хушомадгўйлик билан илжайди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) бошининг тепасида сочи йўқ киши.

5 *кўчма* Ернинг ўт-ўлан чиқмай қолган бўлаги; тақир. *Ернинг кали.*

6 *кўчма* Жун-пати тўкилиб, тақир бўлиб қолган жой. *Пўстакнинг кали. Гиламнинг кали.*

КАЛАВА [*ф.* كلافه, كلابه – ўрам, думалоқланган ип; тўр] Чархга бир неча марта бир текис қилиб ўралган ва чархдан чиқариб олиб тахланган бир ўрам ип, ипак. *Уч калава ипак.* ▬ *Устахонага эшик олдидаги арқонга илинган қизил, сариқ, сурранг, бинафшаранг ип калавалари тагидан бош эгиб кирилади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ранг-баранг ипакларни калавасидан чиқариб, чархда бир-икки товлаб олади-да, копток қилиб ўраб қўяди.* Ойдин, Ҳикоялар.

Калава чигаллашмоқ Ҳал этилиши лозим бўлган масала, муаммо чигал тус олмоқ. *..Сабаб ва натижалар бир-бири билан шундай аралашиб, шундай чалкашиб кетган эдики, у оқни оққа, қорани қорага ажратмоқчи бўлгани сари, калава бадтар чигаллашарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Калаванинг учи** Ҳал этилиши, белгиланиши лозим бўлган масала, муаммо ва ш. к. дан белги берувчи, уни аниқлаш, белгилашга йўл очувчи нарса. *Буйруқлар папкасига қараб баҳо бериб бўладими одамга? Нима қилиш керак? Калаванинг учи борми?* А. Мухтор, Туғилиш. *Турғун бу чигал калаванинг бир учи Қодиржонга бориб боғланишини сезарди.* О. Ёқубов, Тоғ қизи. **Калавасини (калавасининг учини) йўқотмоқ** Нима қилиш, нимадан бошлаш кераклигини билмай қолмоқ, иши чигаллашган ҳолда қолмоқ. *Аҳмад калавасини йўқотиб қўйган телбадек анчагача шаҳарда кезиб юрди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Биласизми, раис амаки, сиз касал бўлгач, калавамнинг учини йўқотиб, шунчалик паришон бўлдимки..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КАЛАВАЛАМОҚ Калава ҳолига келтирмоқ, ўраб калава қилмоқ. *Ипни калаваламоқ.* ▬ *Ипакларни найчага ўрайдиган, калавалайдиган дастгоҳлар бир маромда ишламоқда.* Газетадан. *Пиллани қайнатиш, унинг ипини чуватиш ва калавалаш учун жуда кўп меҳнат сарфланади.* «Фан ва турмуш».

КАЛАВАХОНА Тўқимачилик саноатида: ип ёки ипак калава қилинадиган бўлим, цех.

КАЛАВАЧИ Цехда калава тайёрловчи ишчи. *Калавачилар устози.. бизни кенг, озода цехда гумбурлаб юриб турган дастгоҳлар ёнига олиб борди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

КАЛАКА [*ф.* كلك – алдамчилик; қалтис ҳазил; ҳийла-найранг] Масхара-мазах, устидан кулишга қаратилган гап-сўз, хатти-ҳаракат ва ш. к. *-Шундоқми? – деди Сатторқул калака оҳангида, лекин Хадича холанинг «бас, қийнама» деган мазмунда кўз қисишини кўриб, бошқа гапга кўчди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Калака бўлмоқ Масхара, мазах бўлмоқ, майна бўлмоқ. *Баротнинг калака бўлиши, бурдсизланиши учун Ёқубжоннинг.. гапларидан бир жуфти кифоя эди.* А. Қаҳҳор, Са-

роб. **Калака қилмоқ** Бировни масхара, мазах қилмоқ, майна қилмоқ. *Муса кўп вақт унинг [Рамазон қорининг] «а, лаббай!» деган гапни кўп такрорлаб, бўйнини буриб туришини ва баъзи бировларга дўқ уришини калака қилиб, болаларни кулдирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАЛАМЕНКА [*р.* каламенка – каноплан тайёрланган газлама < *юн.* kamilavka – туя жунидан тайёрланган кийим] Зиғир толасидан зич қилиб тўқилган газмол. *Уларнинг [йигитларнинг] ҳар иккаласи каламенкадан китель кийган.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Туман газетасининг муҳаррири хипчадан келган.. эгнига каламенка костюм, оёғига брезент туфли кийган Усмонов эди.* Н. Назаров, Замон.

КАЛАМУШ [*ф.* کلاکموش – даласичқон] **1** Кемирувчи сутэмизувчиларга мансуб заркунанда ҳайвон. *Оқ каламуш.* ▬ *Озиқ-овқатларни каламушдек ертўлаларга яширишяпти.* К. Яшин, Ҳамза. *Сизникининг айби йўқ, сичқон бор, каламуш бор, кам чиқса, айб ўшаларнинг бўйнига илинаверади.* С. Маҳкамов, Шогирд.

2 *кўчма* Ўғри (ишлаб турган жойидан, мас., омбор ёки магазиндан уни-буни ўғирлаб ташийдиган шахслар ҳақида). *Ҳар каламушларимиз борки, буғдойни шолига, арпани маккажўхорига аралаштириб тортганитортган.* С. Маҳкамов, Шогирд.

КАЛАНТАР [*ф.* کلانتر – шаҳар ҳокими; маҳалла оқсоқоли; сардор] *шв.* Амалдор шахс, аъён. *Хива хони Оллоқулихон.. иморатсоз ҳунармандларнинг бош калантарини чақириб, қурилишни жуда тез ҳам қисқа муддат ичида тамомлашни буюрган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

КАЛАПАТРА [*ф.* کلپتره – беҳуда, беъмани гап, иш] *шв.* Тартибсиз ҳолдаги; ишни тартибсиз, чала-чулпа, пала-партиш қиладиган. *Калапатра одам. Калапатра иш. Калапатра сўзламоқ.* ▬ *Калапатра оқлар батамом Қўрғон сари қочиб қолмоқда.* М. Али, Боқий дунё.

КАЛВАК [*ф.* کلوک – кичик бола; нодон, анқов, уятсиз] Бефаросат, ношуд. [*Ўзбек ойим:*] *Бу калвак ўғлингиз марғилонликнинг эшигида қул бўлиб ётиб оладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КАЛВАРС *шв.* Калвак.

КАЛДИРАМОҚ *айн.* **галдирамоқ.** *Султонбуви мўридан кўзини узмай, тили калдираб, қўли қалтираб ўтириб қолди.* И. Раҳим, Пир.

КАЛЕНДАРЬ [*лот.* calendarium – қарз дафтарчаси ёки Calendae – ҳар ойнинг биринчи куни] **1** Йилнинг барча ой-кунлари тартиби билан кўрсатилиб, бошқа маълумотлар ҳам берилган жадвал ёки китобча; тақвим. *Стол календари. Йиртма календарь.*

2 Ҳаёт ёки илмнинг бирор соҳасидан маълумот берувчи шундай жадвал ёки китобча. *Астрономия календари. Табиат календари. Хотин-қизлар календари.*

3 Узоқ даврларни, йилнинг ой-кунларини ҳисоблаш тизими. *Календарни ислоҳ қилиш. Григорий календари. Юлий Цезарь календари.*

4 Қилинадиган иш ёки машғулотларнинг бажарилиш муддатлари (ой, кунлари) кўрсатилган маълумот, жадвал. *Иш календари. Машғулот календари. Мусобақа календари. Календарь режа.*

Календарь йил(и) Бухгалтерия ҳисоботида ўн икки ойлик давр (1 январь – 31 декабрь).

КАЛЁН [*ф.* قلیان – чекиш асбоби] Чилимга ўхшаш, тутун тортиладиган най ўрнида узун резина най ўрнатилган чекиш асбоби. *Ҳожихон.. арақ-мусалласларини ичди, калёнларини чекди, наша отсалар – бирга отди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАЛЖЎРЧИ *айн.* **ўлаксахўр.** *Тепамизда калжўрчи аста чарх уриб сузиб юрибди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

КАЛИБР [*фр.* calibre] *махс.* **1** Милтиқ, тўп каби ўқотар қуроллар қувурининг диаметри. *Милтиқ калибри. Миномёт калибри. Замбарак калибри.*

2 *тех.* Саноат, ишлаб чиқариш буюмларининг аниқ ўлчами.

3 Буюмларнинг (мас., машина қисмларининг) катта-кичиклигини, йўғон-ингичкалигини, ўзаро жойлашишини ўлчайдиган шкаласиз асбоб.

КАЛИБРЛАМОҚ **1** Аниқ ўлчамда тайёрламоқ, аниқ ўлчамга келтирмоқ. *Замбарак стволини калибрламоқ.*

2 Аниқ ўлчамли нарсаларнинг катта-кичиклигини текширмоқ, ўлчамоқ.

3 Нарсаларни йўғон-ингичкалигига, майда-йириклигига қараб гуруҳлаштирмоқ, хилларга ажратмоқ, сараламоқ. *Деталларни калибрламоқ. Чигитни калибрламоқ.*

КАЛИБРЛИ Калибрга эга бўлган. *Кичик калибрли милтиқ. Катта калибрли тўп.*

КАЛИБРЛОВЧИ Буюмларнинг йўғон-ингичкалигини, катта-кичиклигини, калибрини ўлчаб аниқловчи, аниқ ўлчамга келтирувчи; нарсаларни катта-кичиклигига қараб хилларга ажратувчи, сараловчи. *Калибрловчи ишчи.*

КАЛИД [*ф.* كليد – очқич] *айн.* **калит**. [*Махдум Раънога*:] *Сандиқнинг калидини биласанми, деб чақирган эдим, калид топилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳужра калидини чўнтагига солиб олган Зиёдилла ҳужрага кечасиёқ келиб, шу ерда тунаб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Келажакнинг калиди чидам билан ўқишда.* Ю. Ҳамдам.

КАЛИЙ [*лот.* calium < *а.* قلو – ишқор] **1** Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушранг оқ юмшоқ металл.

2 *айн.* **калийли.** *Фосфор ва калий ўғитлари меъёридан бирмунча ортиқроқ берилса..* «Фан ва турмуш».

КАЛИЙЛИ Таркибида калий бўлган. *Фосфорли ва калийли ўғитларнинг асосий қисми кузда гўнг билан бирга солинади.* «Фан ва турмуш».

КАЛИМА [*а.* كلمه – сўз, жумла, қисқа гап] **1** *кт. айн.* **сўз 1.** *Сидиқжон «унсур» калимасини «ҳукуматга қарши» деган маънода ишлатар, бу ердагилар ҳам шу маънода англар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Икки калима сўз Икки оғиз сўз, қисқа хабар, маълумот. *Булар бу ерда туроверсин, энди икки калима сўзни Кўктемир подшоҳдан эшитинг.* «Эртаклар». *Аъзамнинг уйидан келган хатдаги икки калима сўз эсига тушди: Тоғангнинг ўғли Каримжон келаси ҳафта уйланяпти. Катта тўй қилишса керак, сен бўлганингда..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Калима келтирмоқ** Калимайи шаҳодатни айнан айтмоқ; мусулмон бўлмоқ; калимайи шаҳодатни такрорлаб юрмоқ. *Ҳар қадамда калима келтириб, парвардигори оламдан ўз паноҳида асрашини етти карра илтижо қилдим.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Тили калимага келмаслик** 1) *дин.* калимайи шаҳодатни айтолмаслик; 2) *кўчма* қўрқиш, изтиробга тушиш, аччиқланиш ва ш. к. туфайли гапиролмай қолмоқ. *Отангизнинг ҳам тиллари бурро эди. Лекин моддасини моддасига тўғрилаб қўйганимда, тили калимага ҳам келмай қолган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Иккала қирғоқдаги болалар ҳам унинг мақсадини тушунган, аммо ҳеч кимнинг тили калимага келмас эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. **Калима(й)и шаҳодат** *дин.* Мусулмонликка иқрор бўлиш учун ёки мусулмонлик далили, асоси сифатида айтиладиган арабча ибора. *Лекин Абдуллабой маҳалла имоми ҳузурида «калимаи шаҳодат»ни айттириб, никоҳ ўқиттириб олган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАЛИМАГЎЙ [*а.+ф.* كلمه‌گوى – калима айтувчи] *дин.* Калимайи шаҳодатни доим такрорлаб турувчи мусулмон.

КАЛИТ [*ф.* كليد – очқич] **1** Қулфни очиш ёки беркитиш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Уйнинг калити. Сандиқнинг калити. Эшикнинг калити.* ▬ *Мамарайим афанди Тешабойдан омборларнинг калитларини олгандан кейин, у ердаги молларни яхшилаб кўздан кечириб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор механизмни бураб юргизиш, ишга тушириш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Девор соатнинг калити. Ўйинчоқнинг калити.* ▬ *Илҳомжон тезда домкрат ва калитларни олди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар.

3 *тех.* Гайка ва болтларни бураб қаттиқлаш ёки бўшатиш учун ишлатиладиган узунчоқ дастали ёки дастасиз жағли металл асбоб.

4 *мус.* Беш қаторли нота чизиғининг бирортасига қўйиладиган ва шу чизиқдаги нота номи ва баландлигини билдирадиган махсус белги.

5 *махс.* Тест синовларида берилган тест топшириқларининг энг тўғри жавобларини акс эттирувчи жадвал; тўғри жавоблар рўйхати.

6 *кўчма* Бирор нарсага эришиш ёки уни тушунтириш (англаш), топиш, эгаллаш йўли, воситаси, имконияти. *Бахт калити. Ғалаба калити.* ▬ *Мағрур овоз берар «одам» деган сўз! Тилсимлар калити унинг қўлида.* Т. Тўла. *Ҳаётда шундай кишилар бўладики, қалб калити уларнинг қўлида.* Ё. Шукуров, Халқ билан ҳамнафас. *Ҳосилнинг калити деб аталмиш бу бойлик* [*минерал ўғит*] *қор, ёмғир остида кучини йўқота бошлаган.* Х. Тўхтабоев, Ўғитдан тоғлар.

КАЛИТБОН [*ф.* كليدبان – калит қоровули] *тар.* Хонлик, амирликларда сарой, ўрда калитларини сақловчи, ўзида тутувчи шахс. *Олдинда учиб кирган бир қирғиз йигит.. калитбонга ташланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАЛИШ [*р.* галоши / калоши < *фр.* galoches – резина пойабзал] Нам ўтказмайдиган, одатда маҳси, ботинка каби пойабзаллар устидан кийиладиган, резинадан ишланган оёқ кийими. *Болалар калиши. Катталар калиши.* ▬ *Қиз паранжи ўрнига чурук бир яктак ёпинган эди. Эгнида.. чит кўйлак, оёқларида жуда эски калиш.* Ойбек, Танланган асарлар.

Этик (*ёки* **пучуқ**) **калиш** Этик, ботинка ёки пийма устидан кийиладиган, учи тўмтоқ, европача калиш. **Ўзбекча калиш** Одатда маҳси билан кийиладиган енгил, учли калиш.

Калишини тўғрилаб қўймоқ *айн.* **кавушини тўғрилаб қўймоқ** *қ.* **кавуш.**

КАЛЛА I [*ф.* كلّه – бош; уч, чўққи; ақл] **1** Жониворларнинг боши (одатда, чорва молларининг боши ҳақида). *Отнинг калласи. Ҳўкизнинг калласи. Филнинг калласи.*

2 Сўйилган чорванинг боши (хом ёки пиширилган). *Калла гўшти. Калла куйдирмоқ. Калла шўрва.* ▬ *Ҳеч бир тўй-томоша.. оқсоқолсиз ўтмасди. Биронтаси эчки сўйгудек бўлса, калласини энг аввал оқсоқол олдига қўймасдан иложи йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Калла солмоқ Чорванинг калла-поча ва ошқозон, ичак каби аъзоларини пиширмоқ.

3 *с. т.* Одам гавдасининг юқори қисми, боши. *Ҳар каллада бир хаёл.* ▬ *У [амир] кулган сари қилтириқдай бўйнига калласи оғирлик қилиб, дам олдинга, дам орқасига оғиб кетар эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қиз калласини чайқаб, қўлларини енг-сочбоғ ичига тиқиб олди.* С. Сиёев, Аваз.

4 Боши катта киши исмига лақаб сифатида қўшиб ишлатилади. *Аҳмад калла. Карим калла.* ▬ *Ҳаммаси ҳам Ғиёс каллага ўхшаган бетавфиқ бўлаверармиди?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 *с. т. кўчма* Ақл, мия. *Калласи бор одам кўп чекмайди. Боланинг калласи жойида. Каллангни ишлат!* ▬ *Ўзимнинг каллам бор, сенинг маслаҳатингсиз ҳам эплаб кетаман.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

6 *с. т. кўчма* «Нодон», «аҳмоқ», «каллаварам» каби маъноларда ишлатиладиган ундалма.

Хом (*ёки* **қовоқ**) **калла** *айн.* **калла 6.** *Билмасанг, нега, урди деб қўл қўясан, мажбур қилди деб гувоҳликка ўтасан, қовоқ калла?!* О. Ёқубов, Ларза.

Калла пишдими? *с. т.* Уйқуга тўйдинг (из)ми? **Калла ташламоқ** Боши билан сувга шўнғимоқ, сувга отилмоқ. *Рўпарамда, сувнинг лабгинасида, катта харсангтош турарди. Шунинг устидан калла ташламоқчи бўлиб, энди оёқ қўйган эдим, нима бўлди-ю, шалоп этиб, сувга ағдарилиб тушдим.* Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим. **Калла қанд** *қ.* **қанд. Калла қилмоқ** (*ёки* **урмоқ, қўймоқ**) Бош билан зарб бермоқ. *Қора йигит алам билан уни бир калла қилган эди, хотиннинг олдига бориб тушди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Йўлчи бир калла уриб, Қора Аҳмаддан ўзини айирди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўлан бош эгиб, навбатдаги даррага елка тутган бўлди-ю, кутилмаганда қозиаскарга калла қўйди.* С. Сиёев, Аваз. **Куйдирган калла** Тиржайган киши ҳақида.

КАЛЛА II [*лот.* calla < callainus – оч яшил] Иссиқхоналар ва хонадонларда ўстириладиган, гуллайдиган кўп йиллик манзарали ўсимлик.

КАЛЛАВАРАМ [калла + *а.* ورم – шиш, ўсма; яллиғланиш] **1** Ақл билан эмас, ўйламасдан, пала-партиш иш қиладиган (шахс). [*Қодиров:*] *Сен мени каллаварам деб ўйлама, ҳа. Қодиров ўз ақли билан ишлайдиган раис.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Сен ҳам каллаварам экансан-да, харидорларнинг уст-бошига, афт-башарасига қараб муомала қилмайсанми?!* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Шундай шахсга нисбатли муносабатни билдиради. *Норматнинг эсига лоп этиб боя айтган гапи тушди. «Эҳ, каллаварам. Нималар дединг ўзи?»* М. Ҳазратқулов, Журъат.

КАЛЛАДОР [*ф.* كلّه‌دار – каллага эга, калласи бор; ақлли] Калласи, боши катта. *Калладор, чўтирсимон, юм-юмалоқ раис катта қорнини силкиб кулди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КАЛЛАК [*ф.* كلّك – кичкина калла] **1** Дарахт танасининг шох-бутоқлари кесиб ташланган юқори қисми, кесилган шохи, бутоғидан қолган қисми. *Аброр, ўғлим, ана у беҳининг каллагига газета қистириб қўйган*

эдим, шуни олиб кел. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Подишонинг дори шу Гулистон шаҳрининг бир чеккасида, каллак тутга яқин жойда эди.* «Муродхон».

Каллак урмоқ *айн.* **каллакламоқ.** *Янги каллак урилган тут остида қўлига болтасини ушлаб Собиржон ўтирибди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Бирор нарсанинг бош қисми. *Цилиндрлар каллаги. Ракетанинг ядроли каллаги.*

3 *махс.* Кулолчиликда идиш ва б. ясашда ишлатиладиган мослама — чархнинг лой қўйиладиган жойи. *Кулол чарх каллагига қўйган гумбаз-лойдан идиш ясаб, олмадек ортиб қолганини ташлаб юбормай, ҳуштак ясайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КАЛЛАКДОР 1 Кўп йиллардан бери каллакланавериб, сершох бўлиб кетган, каллакланган жойи йириклашиб кетган. *Йўлнинг.. икки четида эса ҳар хил дарахтлар, самбиттоллар, каллакдор тутлар қад кўтарган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *с. т.* Калладор.

КАЛЛАКЕСАР Одам ўлдирувчи, босқинчи; ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган ашаддий жиноятчи. *Азим тажанг қиморбозлар, ўғрилар, каллакесарлар орасида кўп бўлган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАЛЛАКЛАМОҚ Кексайган мева дарахтларини ёшартириш, янгитдан шохлатиш мақсадида улар танасининг юқори қисмидаги эски шох-бутоқларини кесиб ташламоқ; каллак урмоқ. *Толларни каллакламоқ.* ▬ *Бек аканинг йигитлари тутга чиқиб, шохларни каллаклай бошлади.* С. Нуров, Нарвон.

КАЛЛАПАЗ [*ф.* کلّه‌پز — калла пиширувчи] Калла-поча ва ич (ички аъзо)ларни пишириб сотувчи шахс. *Узум бозорининг атрофида.. нўхатшўракчи ва каллапазлар ўз нарсаларининг таъриф-тавсифини қилиб, овозлари борича бақирадилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

КАЛЛАПАЗЛИК 1 Каллапаз иши, касби. *Каллапазлик қилмоқ. Каллапазликни йиғиштирмоқ.*

2 Калла-поча ва ич (ички аъзо)лардан тайёрланган таомлар билан савдо қилинадиган жой. *Матпано унинг ёнидан айланиб ўтди-да, каллапазликка бурилди.* С. Сиёев, Аваз.

КАЛЛА-ПОЧА [*ф.* کلّه‌پاچه — қўй калласи ва оёқлари; улардан қайнатиб тайёрланган таом] Сўйилган чорванинг (хом ва пиширилган) калласи ва оёқлари. *Калла-поча тозаламоқ.* ▬ *Маллавой ака бир ўтирганида битта қўйни калла-почаси билан еб, терисини нонуштага қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Кушхонада*] *Ҳа-ҳу дегунча молнинг калла-почаси ажратиб олинади.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

КАЛЛАПЎШ [*ф.* کلّه‌پوش — бошни ўровчи; дўппи] **1** *шв.* Бош кийими; дўппи.

2 Дўппининг бир тури (одатда, тожиклар киядиган тури). *Зум ўтмай, қора каллапўш кийган, занжидай бадбашара барзангини етаклаб кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Қовуннинг ҳандалаксимон эртапишар нави.

КАЛЛАХОМ [*ф.* کلّه‌خام — пишмаган калла**] 1** Териси шилиб олинган мол калласи.

2 Қора молнинг калла териси. *Каллахом чарм.*

КАЛЛАХУМ [*ф.* کلّه‌خم — хумдай, катта калла] **1** Боши жуда катта, катта бошли. *Эшикдан қамчинини елкасига қистирган, баланд бўйли, яғриндор, каллахум йигитча кирди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *айн.* **хомкалла**, **каллаварам**. *Совхоз раҳбарлари билан менинг орамдан қора мушук ўтган-у, мен каллахум билмай қолганман.* Газетадан.

КАЛЛИГРАФ Ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб, чиройли ёзадиган шахс; хаттот.

КАЛЛИГРАФИЯ [*юн.* calligrafia — чиройли ёзув, хат] Чиройли ёзиш санъати, хаттотлик; ҳуснихат.

КАЛОВЛАМОҚ 1 У ён-бу ёнга чайқалмоқ, нотекис юрмоқ, гандиракламоқ. *Бу салобатли одамлар орасида хизмат қилган Йўлчи ғоят сиқилди. Юрса каловлагандай, бировни туртгандай туюлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *..қовушмай, каловлаганча бояги аёл кетидан судраларкан, кўзлари така-пука.* Ҳ. Назир, Онаизор.

2 Эс-ҳуши жойида бўлмай довдирамоқ; эсанкирамоқ. *Олимжон, онасининг таъзияси устидан чиқди. Бошини қаёққа уришни билмай, каловлаб қолди.* Ҳ. Назир, Қанотлар.

КАЛОВЛАНМОҚ *айн.* **каловламоқ**. *Каловланиб йиқилди мағрур, Азиз тупроқ узра қўйди бош.* Т. Тўла. *Қизни учратишни хаёлига ҳам келтирмаганидан, каловланиб, осто-*

нада серрайиб турарди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

КАЛОМ [*а.* كلام – сўз, гап, нутқ] *кт.* Сўз; нутқ, гап-сўз; сўзлаш, гапириш. *Аввал таом, баъдаз калом.* Матал. ▬ *Сўзни, Муқимий, керак этмак тамом, Мазаси қолмас, узун ўлса калом.* Муқимий. *Менга боқиб, салом этиб, Ҳар бири бир калом этиб, Сўзлади эҳтиром этиб, Топди баҳона қизларим.* Ҳабибий.

Каломи шариф Қуръон, каломулло. *Каломи шарифда ёзилишича, йиғи-сиғи қилиш олло таолонинг иродасига қарши бориш билан баробар гуноҳдир.* К. Яшин, Ҳамза. **Хулласи(и) калом** Гапнинг лўндаси, хулосаси. *Хулласи калом, шаҳарни ўраган нобоп ҳалқа узилиб кетди.* Мирмуҳсин, Кўринмас ҳалқа. *Хулласи калом, ишларим чакки эмас, дўппим яримта.* «Муштум».

КАЛОМУЛЛО [*а.* كلام‌الله – Оллоҳнинг сўзи, Қуръон] *айн.* **қуръон**. *Мансабдор кимса, бу сўзларни қоғозга ёзиб, ҳеч қачон тонмаслиги учун каломуллони ўртага қўйиб, қасам ичирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Каломулло урсин Қуръонни ўртага қўйиб қасам ичишни билдиради. *«Гўримда типпатик тураман,» дея, «Каломулло урсин», деб қасам ичдилар.* С. Кароматов, Олтин қум.

КАЛОН [*ф.* كلان – катта, улкан] **1** *шв.* Катта.

Қози калон, қозикалон *эск.* Бош қози. *Четга чиқиб, ёнимга қарасам, машинада қозондай салла ўраган қози калон ўтирибди.* И. Раҳим, Оловкор.

2 Калон (эркаклар исми).

КАЛОНДИМОҒ [*ф.+а.* كلان‌دماغ – кибр-ҳавоси баланд, такаббур; *айн.* катта калла] Ўзини жуда юқори тутадиган ва шундай муомалада бўладиган; димоғи баланд. *Гап камтарлик ҳақида борар экан, кўз ўнгимда ажойиб фазилатли кишилар, шу билан бирга, гердайган, мағрур, калондимоғ баъзи кимсалар жонланади.* Газетадан. *Кенжага дастлаб муомаласи дағалроқ, ўзи калондимоғ кўринган бу киши суҳбат охирида ғоят таъби нозик бир шинаванда бўлиб чиқди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

КАЛОНДИМОҒЛИК Калондимоғ шахсга хос хатти-ҳаракат, хусусият. *Калондимоғлигинг қолмади-да, полвон! Ҳамон мусофирчиликни бўйнингга олдингми, эгардан сал тушгин-да!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Ишхоналарда, айниқса, кўпчилик билан муомала қилинадиган жойларда.. сансалорлик, калондимоғлик, дағаллик ва майнабозчиликларни бозор кўтармайди.* Т. Алимов, Хиргойи.

КАЛОНПО [*ф.* كلانپا – қадами, оёғи катта] **1** *с. т.* Амал, бойлик ва б. жиҳатдан маълум-машҳур бўлган, амалдор, «катта шахс» ларга нисбатан қўлланади. *Бу жойнинг калонполари.* ▬ *Э, бу калонполарнинг хизматини қилавериб, елкамнинг яғири чиққан.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Йиғилган меҳмонлар орасида шаҳарнинг маълум, сердастурхон калонполаридан Мирзакарим ҳожи вофуруш.. Ҳаким гажава, Мирзараҳим шафақ лақабли бойлар ҳам бор эди.* С. Абдулла, Мавлоно Мирсидиқнинг ижодлари.

2 *шв.* Оёғи катта одам.

КАЛОРИМЕТР Жисмнинг ўзига оладиган ёки ўзидан чиқарадиган иссиқлик миқдорини (калория ҳисобида) ўлчайдиган асбоб.

КАЛОРИМЕТРИЯ [*лот.* calor – иссиқлик + *юн.* metreo – ўлчайман] Турли физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларда ажраладиган ёки ютиладиган иссиқлик миқдорларини ўлчаш усуллари мажмуи.

КАЛОРИФЕР [фр. calorifere < *лот.* calor – иссиқлик + ferre – элтмоқ, келтирмоқ] Иситиш, вентиляция тизимларида ва қуритгичларда ҳавони қиздириб берадиган, қувурлар тизимидан иборат қурилма. *Буғли калорифер. Сувли калорифер.*

КАЛОРИЯ [*лот.* calor – иссиқлик] Бир грамм сувни бир градус иситиш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори.

Катта калория, килокалория 1000 кичик калорияга тенг иссиқлик миқдори. **Кичик калория** *айн.* **калория.**

КАЛОРИЯЛИ Муайян калорияга эга бўлган; калорияси юқори. *Калорияли овқат.*

КАЛОРИЯЛИЛИК Калорияга эгалик ҳолати, калория даражаси; тўйимлилик. *Озиқ-овқат маҳсулотларининг калориялилиги. Кўмирнинг калориялилиги.*

КАЛТА [*ф.* كلته – думи қисқа, думсиз] **1** Узунлик ўлчами кичик; қисқа. *Калта шим. Калта қалам. Калта ип боғловга етмас.* Мақол. *Симни калта кесмоқ.* ▬ *Мастон калта, аммо йўғон икки ўрим сочини бошига ўради-да.. оёғидаги ағдарма этикни кўздан кечирди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 Узунлиги нисбатан кам, етарли эмас; қисқа. *Унинг ипак салласи нозик қилиб ўралган, калта енгли ипак абоси ўзига жуда ёпишиб туради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Арслон ҳам эгасининг буйруғини кутаётгандай, калта думини қимирлатиб..* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Вақт нуқтаи назаридан қисқа, тез тугайдиган, узоқ давом этмайдиган. *Калта кун.* ▬ *Соат кетидан соат ўта берди. Калта куз куни оғди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу гаплашув ҳам калтагина савол-жавобдан иборат бўлди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Ингичка ва йўғон, калта ва чўзиқ товушлар.. кекирдаклари узилиб кетмайдими бу хўрозларнинг?* И. Раҳим, Ихлос.

Гапни калта қилмоқ Гапни чўзмаслик. *Аммо инсон қалбини шиллиқ қуртдек кемириб ташлайдиган гумон ва шубҳа ич-ичини кемираётганидан ижирғанди, сездириб қўймаслик учун гапини калта қилди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Калта ўйламоқ** Яхшилаб, пишиқ қилиб ўйламаслик, юзаки ўйламоқ. *Айб ўзимда. Калта ўйлабман. Тўй бўлмайди..* Ойбек, О. в. шабадалар. **Қўли калта** Имконияти чекланганликни, иложсизликни билдиради. *Ўйлаб қарасам, дўппи тор экан.. каттароқ иш қилишга қўлимиз калта экан.* И. Раҳим, Ихлос.

КАЛТАБАҚАЙ Паст бўйли, аммо йўғон ва пишиқ, бақалоқ (одам, ҳайвон ва уларнинг аъзолари ҳақида). *Калтабақай одам. Калтабақай от.* ▬ [*Матқовул] Бесўнақай битган картошкадай калтабақай бармоқларини яктак ёқасига олиб бориб, сержун кўкрагига туфлаб қўйди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

КАЛТАБИН [*ф.* كلته‌بين – яқин, қисқа масофани кўрувчи; узоқни кўрмайдиган] Ҳозир кўзига кўриниб турган нарсалар асосида ҳукм чиқариб, унинг оқибатига фаҳми етмайдиган, келгусини, узоқни кўрмайдиган, қисқа ўйлайдиган. *Одамлар орасида ҳам узоқни кўра билмайдиган калтабинлар учрайди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

КАЛТАБИНЛИК Узоқни кўрмай, калта ўйлаб иш тутиш, калтабинга хос хатти-ҳаракат. *..қурилиш ишига дахлдор раҳбарларнинг совуққонлиги, калтабинлиги туфайли йўл қўйилган хатолар..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

КАЛТАДУМ 1 Думи калта, думи кесилган; чўлтоқ. *Калтадум эшак. Калтадум ит.*

2 *кўчма с. т.* Европача кийинган, калта кийим кийган. *У [хотин] шаҳардан келган бир калтадум домлага тегиб олди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *-Зиёлилар, билмадим, калтадумми, аммо билгич, ўқиган одамлар-да, – дейди такрорлаб дурадгор.* Ойбек, Болалик.

КАЛТАК [*ф.* كلتك –] **1** Дарахт, бута кабиларнинг барг-бутоқсиз узун шохи (синган ёки махсус қирқиб олинган, ҳўл ёки қуруқ). *Текинга ўрганган текинхўр қўлига калтак илинса ҳам, «керак бўлиб қолар», деб олиб кетаверар экан.* «Муштум». *Ойимча биби уларни [товуқларни] кўрди-ю.. қўлига тушиб қолган бир калтакни ҳавола қилиб, тирқиратиб ҳайдаб, қарғай-қарғай уйига кириб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Уриш, саваш, ҳайдаш учун ишлатиладиган махсус ёғоч; таёқ, гаврон. [*Жаллод*] *Бандининг тиззасидан қуйисига, оёқлари суягининг қиррасига калтак билан қаттиқ бир урди.* С. Айний, Эсдаликлар. [*Шербек*] *Қўлига калтак олиб, мол боққани қирга чиққанида.. қувончини ичига сиғдира олмай думбалоқ ошган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *фольк.* Тўқмоқ, чўқмор; гурзи. *Тўқсон ботмон чўян калтак қўлимда.* «Ширин билан Шакар». [*Кўкалдошнинг*] *Тақимида беш юз ботмон калтаги.* «Алпомиш».

4 Таёқ, мушт ва ш. к. зарби; уриш. *[Лаъли].. бекнинг калтаклари ҳам ёдидан кўтарилиб, аланга чайқалаётган ерга югурди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Сувонжоннинг калтакка тоқат қилиши Ойсулувга бадтар алам қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 *кўчма* Қаттиқ тегувчи, зарба бўлувчи нарса; дакки, *Аваз уйига киргач, ўзича кулиб: «Менинг шеърим улар учун калтак бўлади», – деб қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Чолнинг ҳар бир мақтов сўзи полвонга калтак бўлиб тушмоқда эди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

Бошида калтак синмоқ Ажрини (жазосини) тортмоқ; қаттиқ гап эшитмоқ; балога қолмоқ. *Ҳамма айб Салоҳиддинда! Калтак шу одамнинг бошида синиши керак.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шунча калит чўнтагимда бўлгани билан битта-яримта нарсани нарибери қилиб кўрай-чи, бошимда калтак синсин..* С. Маҳкамов, Шогирд. **Калтак емоқ**

Калтакка дучор бўлмоқ, калтакланмоқ. *Эчкининг калтак егиси келса, чўпоннинг таёғига сурканади.* Мақол. **Калтак остида қолмоқ** Кўп калтак емоқ; дўппосланмоқ, саваланмоқ. *Бирдан ўнларча мушт ҳавога кўтарилди. Элликбоши ва унинг шериклари калтак остида қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Оқ калтак, қора калтак** Ҳужум қилиш учун таёқ, теша ва ш. к. лар билан қуролланган оломон ҳақида. **Қора калтак билан** Қуролсиз, оддий таёқ билан. [*Абдураҳмонбой*:] *Мирзақул, Николай полвон зўр. Хом хаёлларга бориб юрманг, қора калтак билан подшоҳликни йиқитиб бўлармишми!* Н. Сафаров, Уйғониш.

КАЛТАКЕСАК Судралиб юрувчилар синфига мансуб, думи узун ва узилувчан, тана тузилиши турли-туман, усти майда тангачалар билан қопланган жонивор. *Йўл устидан чиқиб қолган чаққон калтакесаклар ўқдай отилиб, кавакларга кириб кетади..* А. Қаҳҳор, Мастон.

КАЛТАКЗАДА [калтак + *ф.* زده − урилган] Кўп марта калтакланган, калтак зарби ўтган, калтак зарбидан безиллаб қолган. *Ошпазнинг ўчоғида, кўнчининг ёмида, нонвойнинг томида сиғиниб юрган калтакзада бир ит эдим.* А. Қодирий, Обид кетмон.

КАЛТАКЛАМОҚ 1 Калтак билан урмоқ. *Ҳўкизни калтакламоқ.* ▬ *.. қўшни совхозлардан ялиниб-ёлвориб олган хашакни бир ой ўтмай чўғини ўчириб қўйишибди. У яна бузоқни калтаклай бошлади.* «Муштум».

2 Умуман, урмоқ. *Жаллод: -Бунинг нимасини икки юз дарра ураман, юзга чидаса ҳам гўрга, − деди, сўнг жаҳл билан калтаклашга ўтди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Шунча йил бадалида эрим чертмаган эди, энди аямайди, ўлгунча калтаклайди, деб ўйлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 *кўчма с. т.* Қаттиқ танқид қилмоқ; қаттиқ койимоқ. *Ҳозир Эшматов.. турли найранглар билан Эрназаровни ҳимоя қилиб, Қодировни калтаклаб юрибди.* «Муштум».

КАЛТА-КУЛТА Калта ва арзирлик бўлмаган (нарсалар ҳақида). *Калта-култа тахталар.*

КАЛТАТОЙ Тарихда (19-а. охирларигача) мавжуд бўлган ўзбек уруғларидан бири.

КАЛТАФАҲМ [*ф.* + *а.* کلته‌فهم − фаҳми калта, тушунчаси тор] Дарров тушуниб, уқиб ололмайдиган, ақли, фаҳми етмайдиган; фаҳми калта. *Бир сафар у калтафаҳм ва довдир одамнинг сўзига амал қилиб, милиционер, халқ вакиллари билан жиноятчиларнинг уйига бостириб киради.* Ғ. Ғулом, «Тобутдан товуш» ҳақида.

КАЛТАФАҲМЛИК Калтафаҳмга хос иш, хатти-ҳаракат. *Калтафаҳмлиги ўзига панд берди.*

КАЛТАЧА *тар.* Ўрта Осиёда аёлларнинг узун, олди очиқ, кенг енгли, авра-астарли қадимий уст кийими; мурсак.

КАЛХАМАЖ Гўнг ейдиган ва гўнгни соққа қилиб, унинг ичига тухум қўядиган қўнғиз.

КАЛХАТ Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб катта йиртқич қуш; сор. *Жилғанинг устида бир гала қора қуш.. калхатлар гир айланиб учиб юрарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАЛЬКА [*фр.* calque − нусха, тақлид] **1** Чизма ёки расм нусхасини тушириш учун махсус ишланган шаффоф қоғоз ёки мато. *Калька билан расм олмоқ.* ▬ *Нусха олинадиган чизма устига чизма варағидан сал катта калька варағи қўйиш керак.* А. Абрикосов, Чизмачилик.

2 Чизма ёки расмнинг шундай қоғоз ёки матога туширилган нусхаси. *..бепоён чўлни тўрт киши кезиб юрибди. Уларнинг қўлида планшет, калькалар туширилган турли ўлчам ва схемалар.* Р. Ўроқов, Қарши чўлида.

3 *тлш.* Бошқа тил луғавий бирлигидан она тили воситалари билан сўзма-сўз таржима қилиш орқали ясалган сўз ёки ибора. *«Дунёқараш» сўзи русча «мировоззрение» сўзининг, «ишчи кучи» эса «рабочая сила» иборасининг калькасидир.* «ЎТА».

КАЛЬКАЛАМОҚ 1 *тех.* Калькага кўчирмоқ. *Чизмани калькаламоқ.*

2 *тлш.* Калька йўли билан ҳосил қилмоқ. *Калькалаб термин ясамоқ.*

КАЛЬКУЛЯТОР 1 Калькуляция мутахассиси, калькуляция тузувчи ҳисобчи ходим.

2 Турли алгебраик амалларни ҳисоблаб чиқариш, бажариш учун қўлланадиган электрон асбоб.

КАЛЬКУЛЯЦИЯ [*лот.* calculatio − ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китоб] Товар, маҳсулот ва ш. к. нинг таннархини ҳамда харид ва сотиш баҳосини ҳисоблаш; шундай ҳисоблашда тўлдириладиган варақ; нарсанинг таннархи ва сотиш нархи аниқ кўрсатилган маълумот. *Ҳар бир кишига каль-*

куляция бўйича алоҳида коса ва тарелкада палов сузилади. С. Аҳмад, Паловга эътибор.

КАЛЬЦИЙ [*лот.* calx, calcis – оҳак] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оҳактош, мармар ва ш. к. таркибида бўладиган кумушсимон ялтироқ металл.

КАМ [*ф.* كم – оз, озгина, арзимас] **1** Талаб, меъёр ёки одатдагига нисбатан миқдори етарли бўлмаган; оз. *Кам ерли деҳқон (тар.). Йиғилишда одам кам бўлди. Бу йил ёғингарчилик кам бўлди.* ▬ *Чоршанба куни далага қўш чиқиши керак. Лекин, ҳақиқатга қараганда, уловимиз кам.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Умуман, миқдори оз, кўп эмас. *Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла.* Мақол. ▬ *Тиббиёт илмида кам учрайдиган воқеа.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Капсанчиларда чакка ўтмаган уй кам қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Эгалик шаклидаги айрим сўроқ олмошлари билан қўлланиб, қиёсланувчи шахс ёки нарсадан камчилиги йўқ эканлик маъносини ифодалашга хизмат қилади. *Бошқалардан нимаси кам?! Ундан қаери кам?* ▬ [*Кимсаной*] *Ғайратли, ориятли жувон эди. Мана, Канизак звено бўлар эмиш, Кимсанойнинг Канизакдан нимаси кам?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўша латтадан кам жойим борми?!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Етишмай турган, керак бўлиб турган. *-Келинг, келинг, Шоражаб, – деди қаландарга қараб Сафар, – бир сиз кам эдингиз.* С. Айний, Қуллар.

5 *от взф.* Етишмовчилик, етишмаган нарса. *Камини тўғриламоқ.* ▬ *Сизнинг давлатингизда ейиш-ичишдан, айш-ишратдан камим йўқ.* «Эртаклар».

6 *с. т.* Сонлар билан бирга келиб, муайян миқдорнинг тўлиши учун ўша миқдорга ўзи қўшилиб келган сон билдирган миқдор етишмаслигини билдиради. *Бир кам қирқ. Бобом икки кам тўқсонга кирди.* ▬ *Бир кам ўттиз бўлак бўлиб, тўп бўлиб, ҳиндига тегинг.* «Гўрўғли».

7 Баъзи сўзларга бирикиб, қўшма сўз ясаш учун хизмат қилади: *камгап, камдаромад, камҳосил* ва б.

Бир ками Қилмаган иши (камчилиги) гапдан англашилган нарса экани, уни бажаришга норозилик оҳанги билан ифодаланади. *Бу нимаси?.. Бир камим от етаклаб юриш қолувди?* Газетадан. **Кам бўлманг** Яхши тилак билдиради; яшанг, камол топинг. *Хўш, қизим, табрикларимни қабул қилинг.. ич-ичимдан хурсандман, илоҳим, кам бўлманглар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Кам бўлмаслик** Зарар-зиён кўрмаслик, зиён қилмаслик. *..айниқса, ота-онасининг гапига кириб, ўзининг кам бўлмаганлиги ҳақида анча кўпириб, кўп гапирди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ундоқ дема, қизим! Гапимга кириб, кам бўлдингми?* [*ҳовлини кўрсатиб*] *Мана!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бизга ихлос билан қўл берсанг, кам бўлмайсан.* «Муштум».

КАМАЙМОҚ 1 Миқдор ёки ҳажм жиҳатидан оз, кам бўлмоқ; озаймоқ. *Маҳсулот таннархи камайди. Касаллар сони камайди.* ▬ *Кўллардаги сув миқдорининг камайиши ёки кўпайиши эса маҳаллий иқлим шароитининг ўзгаришига сабаб бўлади.* «Фан ва турмуш». *..уч-тўрт от майиб бўлиб ишдан чиқди, жамғарилган озиқ-овқат ҳам камайиб бормоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Куч, таъсир даражаси жиҳатидан озаймоқ, пасаймоқ. *Оғриқ камайди. Хавф камайди.* ▬ *Учинчи кун табриклар оқими бир оз сусайиб, энтикиш, ҳаяжонлар ҳам камайиб, сокин дақиқалар бошланаётган эди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Камайиб қолмайди *ёки* **бирор жойи (***ёки* **ери) камаймайди** Ҳеч қандай зарар етмайди. *Қариянинг ишларига қарашиб юборсанг, бирор еринг камайиб қолмайди.*

КАМАЛАК 1 Қаттиқ ёғочнинг бир учидан иккинчи учига ип тортиб эгиб, ярим доира шаклида ясалган, найза-ўқ солиб отиладиган қадимий ов ва жанг қуроли; ёй, камон. *Афанди елкасига камалакни осиб.. узоқ бир кўлга ғоз овлагани кетди.* «Латифалар». *Эрмана полвон камалагидан девга қараб ўқ узибди.* «Олтин бешик».

Камалак бўлмоқ Камалак шаклини олмоқ, эгилмоқ. *Қошлар учади, кўзлар кулади, гоҳ чап қўл орқа белга ўтиб, ўнг қўл қош устида камалак бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Камалак қилмоқ** Камалакка ўхшатиб эгмоқ. *Раис.. бир қўлини орқасига қўйиб, иккинчи қўлини боши узра камалак қилиб, икки-уч елка қоқди-да, шундай йўғон гавдали бўлишига қарамасдан, беданадай йўрғалади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қуёш нурининг ёмғир, фаввора томчиларида синиши натижасида ҳавода турли рангда ярим доира шаклида кўринадиган йўл; ёй. *Дарахтларнинг орқасида қизил, кўк, пушти ва зангор чизиқлар билан товланиб турган камалак кўринди.* И. Раҳим, Ихлос.

КАМАНД [*ф.* کمند — бўғов, сиртмоқ; тузоқ] *эск. кт.* Бирор ҳайвонни тутиш, банди қилиш, боғлаш ёки бирор нарсага илинтириб, баландга чиқиш учун ишлатиладиган сиртмоқли арқон. *Тўғрибой камандни ростлаб туриб, йўлбарснинг бўйнига солибди.* «Эртаклар».

Каманд қилмоқ Боғламоқ, сиртмоқ солмоқ. [*Навоий:*] *Мени девонани занжирбанд қил. Қаро зулфингни бўйнимга каманд қил.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

КАМАР I [*ф.* کمر — бел; белбоғ] **1** Кийим устидан белга боғланадиган, одатда кўндан қилинадиган, тўқали энли тасма; қайиш. *Солдатча камар. Камар боғламоқ.* ▬ *Мингбоши кимхоб тўнининг чап барини қайириб, бошмалдоғини кумуш камарга ўтказди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [*Пиёда аскарлар*] *Белларини қайиш камар билан боғладилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Поччаев ўрнидан туриб, сербар камарини тузатдида, томоқ қириб, ўзидан хабар берди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Шим, юбка кабиларнинг (тушиб кетмаслиги учун) тепасидан ўтказиб боғланадиган (тақиладиган), мато ёки чармдан тайёрланадиган боғ, тасма.

3 *кўчма эск. кт. айн.* **бел** I **1, 2.**

Хизмат камарини боғламоқ *кт.* Сидқидилдан берилиб хизмат қилмоқ. **Ҳиммат камарини боғламоқ** *кт.* Сахийлик қилмоқ, ҳиммат ишига отланмоқ. *Бойвачча, ота орзусига ҳиммат камарини боғлайверинг.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАМАР II **1** Сув қирғоғида, жар четида, тепалик ёки тоғ ёнбағрида ювилиш, ўпирилиш ва ш. к. натижасида ҳосил бўлган ғорсимон ўйиқ жой, йўл. *Акам билан Тоғкамарга тушиб чиқдик. Ўша камар ичи кенг: юз бош қўй соялаши мумкин.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Қирнинг ўркачи нариги четда юксалган тоғнинг белига етиб тугар, ундан, тоғ бағрини кесгандек бўлиб, камар кетган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Дарё, ариқ каби оқар сувларда унинг айланиб оқадиган жойи, айланма ҳаракатли чуқур жойи. *Сувонжон тол тагидаги камарга шўнғиб кириб кетарди-да, анчадан кейин балиқ билан чиқиб келарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Пўлатжон сўл оёғи билан сувни шалоплатиб, камардан чиқишга уринар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 *анат.* Умуртқали ҳайвон ва одамнинг айрим бўғинларида, ўзаро туташ икки суякнинг бирида бўладиган яримшар шаклидаги ўйиқ жой, кўз. *Елка (қўл) камари.*

КАМАРБАНД [*ф.* کمربند — камари боғлиқ; хизматкор] **1** Камар боғлаган; бели боғли. *Камарбанд одам.*

2 Икки учи елка оша камарнинг икки ерига бириктирилган, камарни белда тутиб турадиган боғ, тасма. *Сарой дарвозасидан.. камарбандига қаламдондек.. бир чўп қистиргани ҳолда амир маҳрамларидан бири кириб келди.* С. Айний, Қуллар.

КАМАРБАСТА [*ф.* کمربسته — камар боғлаган; хизматкор; ишончли дўст] **1** *кт.* Хизматга тайёр, бел боғлаган, шай. *Кўпгина кишилар унинг* [*Ёқубжоннинг*] *хизматида камарбаста эдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Қўлимиздан келганча чора-тадбирларни кўришга камарбастамиз.* Газетадан.

2 *тар.* Уста деб маълум, эълон қилинган шогирд, уста сифатида мустақил ишлашга рухсат олган косиб. *Шогирд узоқ йиллар ишлаб, кўз нури, куч-қувватини сарфлагани ҳолда, корхона эгаси билан халфасини рози қилмагунча, фотиҳа олиб камарбаста.. бўлолмасди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

КАМАРБАСТАЛИК 1 Хизматга шайлик, доим тайёрлик. *Садоқат, ихлос, поклик, камарбасталик.. зиммамизда эканини ҳеч қачон унутмаслик керак.* А. Турдиев, Хизматга бел боғлаганмиз.

2 Камарбаста (халфа) иши, касби.

КАМАЮВЧИ 1 Камаймоқ фл. сфдш.

2 *мат.* Айириш амалида ичидан бошқа сон айириб олинадиган сон.

КАМБАЛА [*фин.* kampela] Икки кўзи бошининг бир томонида бўлган ялпоқ денгиз балиғи.

КАМБАР [*ф.* کمبر — эни кичкина, энсиз] Эни қисқа; энсиз. *Камбар лента. Камбар чит. Камбар қайиш.* ▬ *Камбар тахталардан нари-бери ясалган скамейкалар қинғир-қийшиқ, синиб кетгудай нимжон эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Нимқоронғи бос-*

тирмадан ўтиб, ғиштдан ишланган камбар зинадан юқорига — болохонага чиқишди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КАМБАРГ Барги кам, сийрак баргли. *Баланд сўритокларда чумак урган чиллакилар, камбарг дарахтлардаги олма ва нашватилар у* [*Нормат*] *билан хайр-хўшлашмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КАМБАҒАЛ [*ф.+а.* کمبغل — қашшоқ, йўқсил] **1** Муҳтожликда яшовчи, тирикчилик учун керакли нарсаси етарли бўлмаган; қашшоқ, фақир, бечора. *Камбағал деҳқон. Камбағал оила.* ▬ *Камбағал йигит энди ёруғда ҳамма отларни айрим-айрим кўздан кечирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўқувчиларнинг қарийб ҳаммаси камбағалларнинг болалари бўлгани учун, Ғуломжон ота-оналар билан маслаҳатлашиб, уларга ҳар кун иссиқ овқат қилдириб бериб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Етарли бўлмаган; кам, етишмайдиган. *Сувга камбағал ер. Сўзга камбағал одам.*

3 *кўчма с. т.* Мушкул ёки аянчли аҳволга тушиб қолган киши; шўрлик, боёқиш, бечора. *Йўлчи қачон келар экан, келганда ҳам нима қиларди, бўзбола, камбағал.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАМБАҒАЛЛАШМОҚ Камбағал бўла бормоқ, камбағал бўлиб қолмоқ.

КАМБАҒАЛЛИК Ҳаётий, тирикчиликка зарур нарсаларнинг етишмаслик ҳолати. *Бир куни она бечора зор йиғлаб, худога нола қилди: «Камбағаллик қурсин, камбағаллик.. Э худо, қандай гуноҳ қилдикки, бизни бунчалар қақшатасан?»* К. Яшин, Ҳамза. *Хотинимни ҳам камбағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАМБАҒАЛПАРВАР Камбағалларга ёрдам кўрсатувчи, шафқат қилувчи; камбағаллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи. *Камбағалпарвар одам.* ▬ *Бойлардан биттаси жуда камбағалпарвар ўтган экан, чакалакзорига дошқозон остириб, оч қолганларга хўрда, атала улашиб турар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАМБАҒАЛЧИЛИК Камбағал шароит; камбағаллик, қашшоқлик. -*Ҳозир ҳам камбағалмиз, — деди Сатторқул давом этиб, — лекин бу камбағалчилик ёруғ дунёдан бўлган умидимизни эмас, ёруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАМГАК 1 Атрофи ёки икки-уч томони девор ёки бошқа бирор нарса билан ўралган пана жой. [*Йўлчи*] *Катта ҳовлига терс бўлган камгак — панароқ жойда самовар қўйиш, ўтин ёриш билан машғул бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бўш, тўлмаган, очиқ қолган жой. *Биров ганч қорар, уни челакларга солиб.. усталарга узатар, бири бўлса, синган ғиштларни теша билан текислаб, камгак ерлар учун ҳозирларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КАМГАП Кўп гапиришни ёқтирмайдиган, кам гапирадиган. *Камгап одам.* ▬ *Насиба қанчалик сергап, сермулозамат бўлса, Маҳбуба шунчалик камгап ва камсуқум эди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *У камгап, аммо бошқаларнинг ҳар қанча узундан-узун гапларини ҳам диққат билан тинглайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КАМГЎШТ 1 Гўшти оз, оз гўшт солинган (овқат ҳақида). *Камгўшт ош. Камгўшт сомса.*

2 Танасида, гавдасида гўшти кам; озғин, ориқ. *Камгўшт одам.* ▬ *Катта укам Сирожиддиннинг аҳволи ҳам яхши эмас, у аслида, ориқ, камгўшт ва касалсимон, ранги ўчган эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Муқимий ориқроқ, камгўшт.. бир оз камгапроқ одам эди..* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 *с. т.* Ейиладиган жойи, эти кам. *Камгўшт мева. Камгўшт қовун.*

КАМДАРОМАД Даромадни кам берадиган. *Камдаромад хўжалик. Камдаромад иш.*

КАМДИЙДОР *с. т.* Кам кўришадиган, кам учрашадиган. *Камдийдор бўлиб кетмоқ.*

КАМЕР [*лот.* camera] *сфт.* Солист ёки бир неча кишидан иборат ансамбль ижроси учун ёки тор доирадаги тингловчилар, мухлислар учун мўлжалланган. *Кейинги йилларда республика мусиқа санъати юксалди. Бизда янги опера ва балетлар, симфоник ва камер асарлар яратилди.* Газетадан.

Камер мусиқа Оркестр ва хорлардан фарқ қилувчи кичик бир гуруҳ (дуэт, трио, квартет) ижрочилари учун яратилган чолғу ёки вокал мусиқа; якка ижрочи учун ёзилган кичик ҳажмдаги мусиқали пьеса.

КАМЕРА [*лот.* camera — гумбаз; хона, бўлма] **1** Баъзи муассасаларда бирор нарса

учун мўлжалланган махсус хона, бўлма. *Юк сақлаш камераси. Дезинфекция камераси. Турма камераси. Бир кишилик камера.*

2 Асбоб, машина, иншоот ичидаги атрофи берк бўшлиқ. *Сиқилган ҳаво камераси. Шлюз камераси. Торпеда камераси.*

3 Шина ёки тўп қопламаси остидан жойлаштириладиган ва ичига ҳаво дамланадиган резина қобиқ, ғилоф. *Велосипед камераси. Машина камераси. Футбол тўпининг камераси.*

4 Фото, кино ёки видеоаппаратнинг пластинка ёки плёнка қўйиладиган ички қисми ёки шундай аппаратларнинг қисқача номи. *Кинога олиш камераси.*

КАМЕРТОН [*нем.* Kammerton < Kammer – хона + ton – товуш] **1** *физ.* Учлари эркин тебранадиган қилиб маҳкамланган айрисимон металл таёқча шаклидаги асбоб (товуш манбаи). *Товуш ҳодисаларини ўрганишда товуш манбаи сифатида кўпинча камертондан фойдаланадилар.* А. В. Пёришкин, Физика курси. *Бир жисмдан чиқиб тарқалган товушнинг бошқа жисмга урилиб, тебраниш ҳосил қилиши резонанс ҳодисаси дейилади. Камертонларнинг резонансланиши бунга яхши мисол бўла олади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *мус.* Маълум баландликка эга бўлган ва аниқ товуш берувчи, чолғучилик амалиётида чолғу асбобларини созлашда ишлатиладиган кичик бир асбоб (товуш баландлиги эталони бўлиб хизмат қилади).

КАМЁБ [*ф.* كمياب – кам топиладиган, нодир; танқис] Кам топиладиган, сийрак учрайдиган; етишмайдиган. *Шаҳарда танқис, камёб ҳисобланган молларнинг бу магазинда топилиб туришини ҳам шу одамнинг хизмати деб биладилар.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Эмиш оқ турналар асл парранда, Нодир ва камёбдир қуш зоти аро.* А. Исроилов. *Сув тилладай азиз, камёб эди.* Ш. Рашидов, Сув йўли.

КАМЗУЛ [*фр.* camisole – тиззагача узунликдаги енгсиз эркаклар кийими] **1** Илгари ёзлик пальто ўрнида кийиладиган енги узун уст кийим. *Унинг* [*Салимбойваччанинг*] *бошида яп-янги тагдўзи дўппи, устида чўнтаклари қопқоқли, қайтарма ёқали узун оқ жужун камзул..* Ойбек, Танланган асарлар. *Бежирим, келишган нозик ниҳолинг, Беқасам камзулинг ярашибди хўб.* Х. Расул.

2 Хотин-қизларнинг желаткага ўхшаш калта, одатда енгсиз, ёқасиз уст кийими. *Духоба камзул. Заррин камзул.* ▬ *Балки ўртача бўйи, бахмал камзули маҳкам қучоқлаб олган нозик бели билан таниш кўрингандир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бизни ёрнинг камзулининг енги йўқ..* «Қўшиқлар».

КАМИ *қ.* **камида**. *Отанг юртнинг обрўли кишиларидан бири, ками беш юз жойдан тўққиз олиб, тўн кийган.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

КАМИДА *рвш.* Кам деганда, энг ози; минимум. *Бу иш учун камида уч ой вақт керак. Бу пайкал камида беш гектар келади.* ▬ *Уч кунлик эмас, камида бир ҳафталик ой тоғлар ортидан секин кўтарилиб келарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ҳар бир ўқитувчи камида йигирма-ўттиз ўғил-қиз ўқувчининг тақдири учун жавобгар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

КАМИКАДЗЕ [*яп.* < сўзма-сўз: илоҳий шамол] **1** Иккинчи жаҳон урушида душман кемаларига қарши ҳужум қилиб, ўз самолёти билан бирга ҳалок бўлган япон учувчиси.

2 *кўчма* Бирор кимса ёки нарса учун ўзини қурбон қилувчи шахсга нисбатан қўлланади.

КАМИМОҚ *с. т.* Камаймоқ. *Уларнинг кексалигини ҳурмат қилсанг, камиб қолмайсан.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шундай болалар ҳақига бир-икки машина ёғочтахта сарфласа, колхозимиз камиб қолармиди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

КАМИН [*нем.* Kamin < *юн.* kaminos – ўчоқ, печь] Деворга ўйиб ишланган, кенг очиқ ўтхонаси ва тик мўриси бўлган, бевосита ёқилғи алангаси билан хонани иситадиган ўчоқ.

КАМИНА [*ф.* كمينه – кичик, эътиборсиз, ҳақир; ҳақир қулингиз, мен] *юқ. усл.* **1** Камтарлик ёки одоб юзасидан «мен» сўзи ўрнида ишлатилади. *Бу мақола каминаники. Каминанинг сизга бўлган ҳурмати ғоят самимий.* ▬ *Камина ҳам суҳбатларингизни соғинганмен.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Хуллас калом, у маҳалда камина эндигина институтни битириб, ёшлар газетасига ишга кирганман.* О. Ёқубов, Излайман. *Аслида камина ёзиш учун туғилган эканман.. Ҳаётим, ижодим, ёзувларимнинг булоғи сенсан, азизим. Шу булоқни мусаффо сақлагин.* «Гулистон».

2 *эск.* Содиқ хизматкор, қул. [*Салимхўжа*:] *Каминангиз бир ўзимман, қийинчиликларнинг қурбониман, хоним, ҳа, қурбониман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. [*Элликбоши*:] *Камина сизнинг илтимосингизни ерда қолдиришдан кўра ҳар қандай машаққатни ўз зиммасига олишни аъло кўради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хива хонининг саройида ҳам каминанинг кўз-қулоқлари бор..* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

КАМ-КАМ Секин-аста; бирдан эмас, оз-оздан. *Қарзни кам-кам узмоқ. Қимизни бирданига кўп ичиб бўлмайди, кам-кам ичиб ўрганиш керак.* ▬ *Муҳиддин ака, «фақат сиз билдингиз» деган гап хуш ёқиб, илжайди: «Кам-кам ўрганамиз-да, мулла, кам-кам».* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАМ-КЕТИК *қ.* **кам-кўст.** *У кеча Саидий билан рўзғорнинг кам-кетиклари, тузукроқ маишат қилиш тўғрисида сўзлашиб..* А. Қаҳҳор, Сароб.

КАМ-КЎСТ [кам + *ф.* کاست – кичрайиш, озайиш; зарар, зиён] Етишмай, камлик қилиб турган нарсалар, етишмовчилик. *Рўзғорнинг кам-кўсти.* ▬ *-Тўйнинг кам-кўсти битгандир? – раис мўйловини силаб, Саидхонга мурожаат қилди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *Қурбон ота елиб-югуриб, сал кунда.. чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАМЛИК 1 Кам ҳолат, кам миқдорда бўлиш. *Аҳолининг камлиги. Ёғин-сочиннинг камлиги.* ▬ *Йўқ, отахон, домла бу гапларни илми камлигидан айтган эмасдир. Илмда ҳам илм бор.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Етишмовчилик, камчилик; моддий қийинчилик, муҳтожлик. *Унинг ҳеч нарсадан камлиги йўқ.*

Камлик кўрмоқ (*ёки* **тортмоқ**) Камчилик, етишмовчилик, муҳтожлик туймоқ, кўрмоқ. *Сендаги дўстлик меҳри Дўстларингга зиёда, Сен билан бирга бўлган Камлик кўрмас дунёда.* Ғайратий. *Нима бўлса ҳам шулар олий маълумот олсин, эл-юртга қўшилсин – камлик тортмайди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Камлик қилмоқ** Кифоя қилмаслик, (шунинг ўзи) етарли эмаслик. *Шаҳардан олаётган шунча даромадинг камлик қиляптимики, энди қишлоққа қараб тамшанасан, баччағар!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гоҳо, жуда алам ўтганда, «севишнинг ўзи бахтли бўлишга камлик қиларкан..» деб афсусланади Ёрқиной.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

КАММАҲСУЛ Кам маҳсулот берадиган. *Жайдари моллар майда.. каммаҳсул эди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

КАМНАМО [кам + *ф.* نما – кўриниш] **1** Кам кўринадиган (узоқ вақт кўринмай кетган, кам учрашадиган киши ҳақида). *«Илгари ҳадеганда рўпарангдан чиқиб қоладиган бу Холдор тушмагурга нима бўлди-я? Энди камнамо бўлиб қолди», деб ўйлади Малика.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

2 Шахснинг шундай эканлигини ўзига қайд этади; кам кўринасиз. *-Қаёқларда қолиб кетдингиз, камнамо! – Раҳим Аҳмедович кўришишга қўл узатди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

КАМОБ [*ф.* کمیاب – кам топиладиган *ёки* کمآب – суви кам] **1** *айн.* **камчил**, **камёб**. *Камоб мол. Камоб нусха.* ▬ *Шу йили, айниқса, қиш қуруқ келиб, сув камоб бўлган, пахта ҳосили хавф остида қолган.* Ҳ. Назир, Сув гадоси оқпадар.. *Сув сероб бўлганда ҳам, камоб бўлганда ҳам, исрофгарчиликка қарши қаттиқ курашишимиз даркор.* Газетадан.

2 *эск. айн.* **камсув 1.** *Камоб ер.*

КАМОБЛИК Камлик, камчиллик, кам учрашлик ҳолати. *Сувнинг камоблиги. Молнинг камоблиги.* ▬ *Колхоз агрономи чўлга келиб, сув камоблиги ва уни енгиш тадбирлари ҳақида маъруза ўқиди.* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

КАМОЛ [*а.* کمال – тўлиқлик, етуклик, мукаммаллик] **1** Ҳар жиҳатдан тўкислик; мукаммаллик, етуклик. *Камтарга – камол, манманга – завол.* Мақол. ▬ *Етимлик айб эмас, инсон учун фазлу камол лозим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Булар иккаласиям камтарлик камол келтиришини билишади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *..дунёвий илмга ошна этадиган мактаблар очиб, фарзандларимизнинг камолини тиласак.* С. Сиёев, Аваз.

Камол топ(инг) *ёки* **камолга ет(инг)** Мамнунликни ва муваффақият, камолга эришиш тилагини билдиради. *Камол топ, ука! Кўнглингга келмасин-у, Бўтавой, ақл ёшда эмас, бошда, деган одам билиб айтган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Камол топинг! – деди Ҳасан сўфи хурсанд бўлиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Камол топмоқ** Етуклик даражасига эришмоқ, камолга

эришмоқ. *Камол топар одамзод, ўйлагани ҳақ бўлса.* Т. Сулаймон. *Гарчанд сочга қўнди бемаҳал қиров, Чиройинг, иродангтополди камол.* Зулфия.

2 Камол (эркаклар исми).

КАМОЛИ Ўзи боғланиб келган сўз билдирган нарса, белгининг юқори даражасини қайд этади; ғоят, ниҳоят даражада, жуда, азбаройи. *Отабек камоли бўғилганидан сукут қилишга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу қишлоқ камоли кичкиналигидан тегишқоқ ўртоқлари* [*йигитни*] *қишлоқ олий советининг секретари, деб кулишар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қўшоқ эса, камоли аччиғи чиққанидан, унинг орқасидан сўкиниб қолди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Мен камоли одоб билан телефон қулоғини жойига қўйдим-у кута бошладим.* Газетадан.

КАМОЛОТ [*а.* كمالات – «камол» сўзининг кўплиги] **1** Етуклик, мукаммаллик. *Жисмоний камолот. Маънавий камолот.* ▬ *Бунчалик камолот, айт-чи, кимда бор, Кимда бор бунчалик латофат, ҳусн.* А. Орипов. *Спартакиада спортчиларимиз учун жисмоний камолот кўриги бўлди.* Газетадан.

2 Юксалиш, ривож. *Халқимиз ўз сиёсий-маънавий ҳаётининг янги камолот босқичига кўтарилди.* «Гулистон». *Ҳа, у* [*Алимардон*] *камолот поғоналаридан тез, ишонч билан кўтарилиб борарди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Шерали ҳам худди шу аҳволда, унинг учун инсоният камолотининг чўққиси – Сабогул!* С. Кароматов, Олтин қум.

КАМОМАД [*ф.* كمآمد – кам келди; етишмаслик] Мол, пул ва ш. к. нинг тегишли миқдордан кам чиққан қисми. *Камомадни аниқламоқ. Камомадни қопламоқ.* ▬ *Ўша ревизиядан чиққан бир юзу ўттиз уч минг камомадни кўплашиб тўлаб юбора қолсакчи..* Н. Аминов, Ёлғончи фариштталар. *Пихи қайрилган тафтишчилар қасд қилганларида ҳам, бирон марта камомад тополмаганлар.* Й. Шамшаров, Тошқин.

КАМОН [*ф.* كمان – ёй, камалак; равоқ] **1** *айн.* **камалак 1.** *Афанди дарров камондан* [*кийикка*] *ўқ узган эди, ўқ хато кетди.* «Латифалар». *Маҳаллий аҳоли бу ҳайвон ва паррандаларни камон, сопқон ва бошқа воситалар билан овлаган.* «Фан ва турмуш».

2 Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ғижжакнинг номи. *Ғани ака камонни олди-да, ғийқиллатиб чала кетди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

3 Ғижжак, скрипка каби чолғу асбобларини чалиш учун ишлатиладиган, бир учидан иккинчисига қил тутами тортилган таёқча; камонча. *Салоҳов чолғучиларга қаради; фақат ғижжакчигина камон тортар.. карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди.* С. Аҳмад, Музикали воқеа.

4 *поэт.* Камалакка ўхшаш, эгилган, қайрилма (қош ва қомат ҳақида). *Исми жисмига хўп мос, Номи унинг Жинаста. Анор юзли, қора соч, Камон қошлар пайваста.* Ғайратий. *Доро камон қошларини чимириб, баланд овоз билан: -Ҳай одам, ўзинг кимсан? – деб сўради.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Оҳим ўқиға қадим камондир, Бу ўқни нишонидур Сурайё.* Нодира.

КАМОНКАШ [*ф.* كمانكش – камон тортувчи, моҳир ўқчи] Камондан ўқ отувчи киши, жангчи.

КАМОНЛИ Камон (камонча) билан чалинадиган. *Камонли асбоблар – камонча билан чалинадиган тўрт торли чолғу асбоблари.* И. Акбаров, Музика саводи.

КАМОНЧА [*ф.* كمانچه – кичик камон; уч ёки тўрт торли ғижжак] **1** Кичкина камон, камалак. *Ўрмонбек камончага ўқ қўйиб отар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *айн.* **камон 2**. *Қўлингда ўйнасин шўх-шўх камонча, Қулоқларга ёқимли андижонча.* Ҳабибий.

3 *айн.* **камон 3.**

4 *айн.* **камон 4.** *Камонча қошлари остидаги кўзларидан ўйчанлик ва сабот акс этарди.* А. Муҳитдин, Ҳадя.

5 Чегачилик, қадоқчилик, дурадгорлик каби касбларда пармани айлантириш учун хизмат қиладиган камалак асбоб. *Унинг* [*қадоқчининг*] *аъзойи бадани қақшаб, камонча тутгани мадори қолмади. Яна битта қадоқ билан битадиган ликопча чала қолди.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

КАМОНЧИ 1 Ёй, камон ясовчи уста.

2 Камон отувчи. *От устида Омонёр Камончини кўради, Калласини танадан Бориб жудо қилади.* «Ойсулув».

3 Ғижжакчи, скрипкачи. *Ёш созанданинг жажжи қўллари ҳаракатидан пайдо бўлган оҳанрабо куй уста камончи санъаткорнинг қалбини сеҳрлаб қўйди.* Газетадан.

КАМПАНИЯ [*фр.* campagne – (ҳарбий) сафар < *итал.* campagna – жанг майдони] **1**

Муҳим ижтимоий, сиёсий ёки хўжалик аҳамиятига эга бўлган бирор вазифани бажариш учун маълум бир даврда сафарбарлик йўли билан ўтказиладиган ишлар, кўриладиган тадбир-чоралар тизими. *Сайлов кампанияси. Қўзилатиш кампанияси. Кўчат экиш кампанияси.* ▬ *Йиғим-терим — деҳқончиликда энг масъулиятли, ҳал қилувчи кампания.* Газетадан.

2 *ҳарб.* Маълум вақт ўтказилган ва муайян стратегик мақсадни кўзда тутган ҳарбий ҳаракатлар, уруш-жанглар мажмуи.

КАМПАНИЯБОЗЛИК *салб.* Ҳар қандай, ҳатто арзимас, иккинчи даражали ишлар учун бутун кучни сафарбар қилиш; режасиз, тартибсиз, ноизчил иш олиб бориш. *Баъзи ташкилотлар оммавий-ташкилий ишларни кампаниябозликка айлантириб юбораётганликларини эътироф қилиш керак.* Газетадан.

КАМПАНИЯЧИЛИК *айн.* **кампаниябозлик.** *Ишимизда кампаниячилик ҳоллари учраб туради.* Газетадан.

КАМПИР [*ф.* کمپیر — жуда ҳам қари эркак ёки аёл] **1** Ёши улғайган, кекса, қари хотин. *Кичик, хароб, фақир бир уй, кампир ва ёшроқ бир хотин жўхори тозалар эдилар.* Ойбек, Нур қидириб. *У* [*Анзират хола*] *олтмишларга бориб қолган, нимжон.. бир кампир эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Элмурод*:] *..Юртингизда кимларингиз бор, Ғани ака? -Биттагина кампир онам бор.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шундай ёшли хотин (аёл)ларнинг исмига қўшиб айтилади. *Ўзбек ойимнинг қутидор, Офтоб ойим ва Ойша кампирга атаб тиктирган саруполари ҳам битди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ёши улғайган кишининг (ёши улғайган) хотини ва унга мурожаат шакли. [*Шокир ота*:] *Кампиримга йўлдош, етим гўдакларимга бош бўлади бу қизим..* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўй, ҳазил қилма, кампир, Ҳамиша ростин гапир.* Ю. Ҳамдам.

КАМПИРАК [*р.* камфорка < *голл.* comfoor — манқал, кўра; гуриллатиб ёқиш учун самоварга кийдириладиган мослама] Чойнак қўйиб, чойни дам едириш ёки иситиш (иссиқ тутиш) учун самовар ўтхонаси устига ўрнатиладиган мослама. [*Матлуба*] *Дам есин, деб чойнакни кампирак устига қўйди.* Н. Назаров, Замон. *Кампирагини ўйнатиб қайнаб турган катта самовар қаршисида хомушгина ерга кўз тикиб Асқар боғбон турарди.* Н. Назаров, Замон.

Кампирагини учирмоқ Жуда қаттиқ қўрқитмоқ, чўчитмоқ. *-Э, тақсир, қўрққанга кўланкаси азроил дегандек, одамнинг кампирагини учириб юбординигиз, — деди Наимий қўрқувдан бутунлайаригандек.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КАМПИРДАҲАН Оғзи ва ияги кампирларникига ўхшаган. *Эшикдан тишлари тушиб, лаблари ичига кириб кетган, кампирдаҳан, зағчакўз бир чол кириб таъзим қилди.* М. Осим, Ўтрор.

КАМПИРЛИК Қарилик (хотин кишига нисбатан). *Кампирлик даври.*

КАМПИРЧОПОН Танаси ва уруғлари заҳарли кўп йиллик ўт. *Самарқанд ва Бухоро атрофларида кўп ўсадиган кампирчопон ўсимлигининг қай даражада заҳарли эканини ким билмайди дейсиз!* Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар. *Қишлоқ жойларда донли экинлар билан бирга ўсадиган айрим ўсимликларда (кампирчопон, кўкмараз, эшакмия ва б.) заҳарли алкалоидлар мавжуд.* С. Акрамов, Гиёҳ кимёси.

КАМСИТМОҚ 1 Қадр-қийматини пастга туширмоқ; паст, арзимас, айбли қилиб кўрсатмоқ, ерга урмоқ. *Бировни иккинчи бир одам олдида ҳар хил мазах гаплар билан камситиш унинг* [*Араббойнинг*] *энг яхши кўрган одатларидан эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Юсуфбек ҳожи*:] *Мендан сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир важ билан камсита олмаймиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Камайтирмоқ, бузмоқ. *Бу ўзгаришлар унинг* [*Кумушнинг*] *ҳуснини, латофатини бир зарра ҳам камситмади, балки ўн қайта оширган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ҳуқуқини чекламоқ, тенг ҳуқуқлиликдан маҳрум қилмоқ.

КАМСОҚОЛ Соқоли кам, сийрак. [*Шокир ота*] *Эти суякка ёпишган, чувак юзи ва пешонаси чуқур чизиқлар — бурушиқлар билан қуюқ қопланган камсоқол кекса эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАМСУВ 1 Суви оз, суви кам, суви камайган. *Камсув ер. Камсув дарё.*

2 Шираси оз, шираси қочган. *Камсув олма. Мева ёмон сақланса, камсув бўлиб қолади.*

КАМСУВЛИК Суви кам ҳолат, суви камлик; шираси озлик. *Ернинг камсувлиги. Дарёнинг камсувлиги. Меванинг камсувлиги.*

КАМСУТ Сути кам, сутни кам берадиган. *Отам сигирнинг серсут ёки камсутлигини маърашидан билар эди.. ишонинг.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *..қайнанангизнинг феълини биласиз-ку. Эмизганингизни эшитиб, юмма талаб беради. -Нега? Нима қилипти? Кўкрагим камсут бўлганида, бошқа гап эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КАМСУХАН [кам + *ф.* سخن – сўз, гап] *айн.* **камгап**. *Камсухан йигит.* ▬ *Камтар ва камсухан гўзал Искандаро қулоқ солиб, жиддий ва оғир ўтирарди.* Ойбек. Нур қидириб. *Энди қирқни қоралаган бўлса-да, қариядай сипо, ўйчан, камсухан оғасининг сўзларига жон қулоғини тикади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КАМСУХАНЛИК Кам гапириш, кам гапириш хусусияти. *Унинг камсуханлиги ҳаммага маълум.* ▬ *-Менда нима бор дейсиз? – дейди камсуханлик билан тегирмончи, – ўша сизникига ўхшаш борди-келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КАМСУҚУМ Ўзини камтар, хокисор тутадиган; тортинчоқ табиатли. *Насиба қанчалик сергап ва сермулозамат бўлса, Маҳбуба шунчалик камгап ва камсуқум эди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Ёнма-ён пахта тераётиб, у ёқ-бу ёқдан гапиришганларида, қиз унинг ҳақиқатан ҳам тортинчоқ, камсуқум йигит эканини сезди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КАМСУҚУМЛИК Камсуқум шахсга хос хусусият, ўзини камтар, хокисор тутишлик; манманлик, гердайиш одати йўқлик. *Нормуҳамедовнинг камсуқумлик хусусияти уни маҳалладаги одамлардан бир неча поғона юқори кўрсатиб турарди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Одобини айтмайсизми? Бай-бай, бунинг камсуқумлиги, донолиги..* С. Кароматов, Ҳижрон.

КАМТАР [*ф.* كمتر – озроқ, камроқ; сийракроқ] Мақтанишни истамайдиган, ўзини бошқалардан паст оладиган, мағрурланмайдиган. *Камтар одам. Камтарга – камол, манманга – завол.* Мақол. ▬ *Ҳақиқатда у* [*Аҳмад Маҳмуд*] *жуда камтар бўлиб, саводсиз, оддий одамлар билан улфатчилик қилади.* С. Айний, Эсдаликлар. *Камтар бўлинг, мағрур бўлманг, кеккайманг, Бир кун хижолатдан сиз қилманг аттанг.* Ҳабибий.

КАМТАРИН Жуда камтар ва итоаткор. [*Фаррош*] *Дарвешнамо, камтарин, хаёлчан киши эди.* Ойбек, Навоий. *Сенга мен камтарин фарзанд эрурман. Жигарбанду яқин пайванд эрурман.* Ҳабибий. *Қабулга келган қиз ўзини камтарин тутарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Каминаи камтарин *эск.* Ўта камтаринлик юзасидан ўзаро мулоқотда, мактубларда «мен» олмоши ўрнида ишлатиладиган ибора.

КАМТАРИНЛИК Камтарга хос хусусият, ўзини юқори, ғурурли тутмаслик. *Кишининг камтаринлиги. Камтаринлик билан муомала қилмоқ.* ▬ *Камтаринлик ва ишчанлик унинг асосий хислатидек бўлиб қолди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

КАМТАРЛИК Камтарга хос хусусият, фазилат. *Камтарлик – инсон ўзлигини билишни, ўзгаларни ҳурмат қилишни, одамийликни: самимийлик, беғуборлик, меҳрибонлик, раҳм-шафқатлилик.. каби нодир фазилатларни ўзида мужассам этади.* Газетадан.

КАМТАРОНА *рвш. кт.* Камтарлик билан, камтарлик қилиб, мақтанмасдан, мағрурланмасдан. *Муҳаммад Жамол кучли, самимий олқишларга камтарона таъзим этиб, жойига ўтиргач, Шариф Сулаймон ўз нутқини бошлаб юборди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ғазал поёнига етди. Табибий камтарона кулумсиради.* С. Сиёев, Аваз.

КАМТАШВИШ Ташвиши кўп бўлмаган. *Камташвиш иш.* ▬ *Улар ҳамма вақт икков ёлғиз яшаб, оҳиста, шов-шувсиз, камташвиш ҳаётга ўрганиб қолган эдилар.* А. Мухтор, Чинор.

КАМТИК Тешик-ёриқ, оралиқ, очиқ жой. *Оппоқ телпак кийган қўша қоялар камтигидан мўралаб келаётган қуёш бўлса, тоғлар тепасига ялов қадаб, бутун ҳароратини чўлга бахшида этади.* С. Қодиров, Бўзачи бойлиги.

КАМТУЗ Тузи меъёрдан паст; *зид.* **шўр**. *Нон берч, камтуз, бунинг устига хашак ва кул аралашган.* С. Кароматов, Олтин қум. *Овқатга туззи ҳам тусмоллаб соламан. Шўр ёки камтуз бўлган бўлса, гина қилмайсизлар..* С. Нуров, Нарвон.

КАМФАРА, камфора [*лот.* kamphora < *а.* كافور] Ўткир ҳидли, рангсиз кристалл модда (тиббиёт ва техникада фойдаланилади). *..камфара тери остига инъекция қилинади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАМФАРОСАТ Фаросати кам, етарли фаросатга эга бўлмаган. *..баъзи камфаросат ёшлар ҳаётга, уларнинг ўзларини ҳам безайди-*

ган одамийлик шартларига эътибор қилмайдилар.. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

КАМФАҲМ Фаҳми кам, тезда тушунмайдиган, англаб олиши қийин; фаросатсиз. *Бир камфаҳм, ўзинг аҳмоқ боласан, Шу эсингман ахир бир кун ўласан.* «Муродхон».

КАМХАРАЖАТ Харажати кам бўладиган; харажатни кўп талаб қилмайдиган; камчиқим. [*Фотиманинг амакиси*] *Топиш-тутиши ўлчоғлик бўлганидан, камхаражат етим қизга уйланиб қўя қолиш фикрида экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАМХАРЖ Харж қилиш имконияти кам, чекланган. *У* [*Аброр*] *ўзининг камхаржлигини Чиннихондан яширмас, уни қиммат томошаларга олиб тушаман, деб чиранмас эди.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. *..ҳозир камхаржроқ бўлиб турибман.. бир нима обормасам, ишдан ҳайдайди-да!* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

КАМХАСТАК Паст бўйли, кенг шохшаббали, манзарали ёввойи дарахт. *Ўзбекистоннинг табиий ўсимликлари орасида камхастак номли мевали дарахт кўп учрайди.* М. Тўйчиев, Табиатшунос. *Камхастак тоғ ёнбағирларининг фитомелиорациясида (ўсимликлар сифатини яхшилашда) ҳам иш берадиган қимматбаҳо дарахтдир.* «Фан ва турмуш».

КАМЧИЛ Кам топиладиган, эҳтиёж, талабга нисбатан кам. *Камчил мол. Сув камчил. Ишчи кучи камчил.* ▬ *Маҳаллий саноат министрлигига қарашли цехлар очилиб, унда камчил ширинликлар тайёрлана бошлаган эди.* М. Парпихўжаев, Ширасиз ширинликлар. *Юсупов бугун бу сойдаги қўтонга боради, эрта у сойдаги отарга. Ем-хашак камчил.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

КАМЧИЛИК 1 Меъёрийликни, меъёрни бузувчи белги, нарса; нуқсон. *Жисмоний камчилик. Ишдаги камчиликлар.* ▬ *Ёрмат Йўлчининг ишидан камчилик топиб, ўз маҳоратини унга кўрсатиш умидида, бир муддат кузатиб турди. Лекин унинг тажрибали кўзи Йўлчининг ишида ҳеч қандай камчилик кўролмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тавба, одам яқин кишисидаги камчиликларни кўрмас эканми, деб қўйдим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Катта иш бажараётган одам майда-чуйда камчиликларга йўл қўйиши табиий.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бирон ишдан ортиқча қувониб ғурурланиш ҳам, ҳаддан зиёд хафа бўлиб кетиш ҳам камчиликдир.* «Мулоқот».

2 *с. т.* Етишмовчилик, камлик, кам-кўст. *У камчилик кўрмасдан ўсди. Оиласининг еяричардан, кийим-кечакдан камчилиги йўқ эди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Бирон нимадан камчилигинг бўлса, айтгин.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Кам одам, кам одам иштирокида; озчилик. *Камчилик овоз билан қабул қилинди. Камчилик кўпчиликка бўйсунади.*

КАМЧИЛИКСИЗ Камчилиги йўқ, тўлатўкис, бекам-кўст. *Камчиликсиз иш.* ▬ *Ўзбек ойим аралашган тўйли хотинларнинг кўнгилларидаги орзу-ҳавослари ҳам эрлари томонидан камчиликсиз бажарилар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КАМЧИЛЛИК Камчил ҳолат; етишмаслик. *Сув камчиллиги. Молнинг камчиллиги.*

КАМЧИҚИМ Чиқими, харажати кам; сарф-харажатни кам талаб қиладиган; камхаражат. *Камчиқим иш.* ▬ *Кетаверишинг Ҳожи бобога ҳам маъқул тушади. У камчиқим одамларни ёқтиради.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КАМШИК 1 Чети, лаби учган, синган, ўйиқ бўлиб қолган. *Кампир камшик пиёлада дамба-дам чой ичарди.* Ш. Ғуломов, Бочка. [*Мадамин*] *Деворнинг камшик еридан кўчага ошиб тушгач, отини тўхтатиб, қўлига милтиғини олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **кемшик.** *Асрор тирриқ камшик оғзини ишшайтирганча, таёғига суяниб турганмиш.* «Ёшлик».

КАМҚАТНОВ 1 Одам, улов ва транспорт воситалари кам юрадиган. *Шаҳарнинг камқатнов кўчалари.* ▬ *Чилонзор йўли, қишлоқ марказига ва далага чап бўлганидан камқатнов.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

2 Кам қатнайдиган, кам борадиган ёки келадиган. *Турмуш қурганимдан кейин-ку жуда ҳам камқатнов бўлиб қолди.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар.

КАМҚОН Қони камайган, қони қочган; оқарган, рангпар. *Камқон бола.*

КАМҚОНЛИК 1 Қони кам ҳолат. *Боланинг камқонлиги.*

2 *тиб.* Қонда қизил қон таначаларининг ва улардаги гемоглобин миқдорининг ёки умумий қон массасининг камайиши билан кечадиган касаллик; анемия. *Қизил қон таначаларининг сони ва унда бўлган гемоглобин моддаси камайганда, ҳарсиллаш пайдо бўлади. Бу каби касалликка камқонлик касалли-*

ги дейилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАМҚУВВАТ Куч-қуввати меъёрдан кам, қуввати оз. *Камқувват одам. Камқувват хўжалик.* ▬ *Бола жуда ёш ёки камқувват.. бўлса, уни соғиб олинган кўкрак сути билан овқатлантириш лозим.* А. Ҳобилов, Кўкйўтал.

КАМҲАФСАЛА Бирор ишга астойдил ёпишиб ҳаракат қилмайдиган; ҳафсаласи йўқ. *Камҳафсала одам.* ▬ *Заиф кадрлар ўрнини бақувват кишилар.. камҳафсала, масъулиятни сезмайдиган шахслар ўрнини зийрак, серҳаракат, ғамхўр кишилар олди.* М. Тўйчиев, Қўшоқлар ичида бўшоқлар.

КАМҲАФСАЛАЛИК Ҳафсала, иштиёқ билан ёндашмаслик, ҳафсаласи етарли эмаслик. *Эринчоқлик, камҳафсалалик билан кетга сурилган ишга қор ёғади.* «Муштум». *Куз пайтида камҳафсалалик қилиб юлинмай қолган ғўзапоялар ҳам қор остидан, гўё қорга бўйин эгмагандай, кеккайиб кекирдак чўзганлар.* Ҳ. Шамс, Душман.

КАМҲОСИЛ Оз ҳосил берадиган, ҳосили кам. *Камҳосил экин.* ▬ *Беда, маккажўхори каби озуқабоп экинларга авваламбор камҳосил, шўр тупроқ ерлар ажратилган.* Ф. Зоҳидов, Ваъдабозлик ва муросасизлик.

КАНА [*ф.* کنه – бит, кана] Ҳайвон ёки одам танасига ёпишиб, қонини сўриб ҳаёт кечирувчи паразит жонивор. *Сутчи ота тарғилни кўришлари билан силаб-сийпаб, у ёқ-бу ёғидан 3–4 кана олиб ташладилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *«Мол безгаги»ни кана тарқатади.* С. Анорбоев, Оқсой.

КАНАКУНЖУТ [*ф.* کنه‌کنجد – канага ўхшаган кунжут] Уруғидан мой олинадиган, баланд бўйли, бир ёки кўп йиллик ўсимлик ва унинг кулранг, ялтироқ уруғи (табобат ва техникада кенг қўлланади). *Кунгабоқар ва канакунжутни экиш кенг йўлга қўйилди.* Газетадан.

КАНАЛ [*лот.* canalis – қувур, нов; сув йўли] **1** Дарё, кўл ёки денгизлар ўртасида кема қатновини ўрнатиш, шунингдек, экин майдонларини сув билан таъминлаш ва ортиқча сувларни йиғиб, оқизиб юбориш учун махсус қазилган сув йўли. *Катта Фарғона канали.* ▬ *Майли, мана бу канал битса, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди. Ўшанда ҳамманинг егани олдида, емагани кетида бўлиб қолади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Фарғона деҳқонлари канал қазиб, Норindан чўлга сув олиб чиқиш учун астойдил бел боғладилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бирор нарса ичидаги тор, чўзиқ бўшлиқ жой; қувур. *Замбарак стволи канали.*

3 *махс.* Алоқа, коммуникация йўли; ҳар қандай ахборотни электр сигналлар ёрдамида етказиб беришни таъминловчи техник қурилмалар мажмуи. *Электр алоқа канали. Телевизион канал.*

4 *кўчма* Бирор нарсага эришиш, етишиш йўли, воситаси. *Дипломатик канал орқали иш олиб бормоқ.*

КАНАЛИЗАЦИЯ [< *лот.* canalis] Ахлатларни, ифлос ва ёғин сувларини, чиқиндиларни аҳоли яшайдиган жойлардан ёки саноат корхоналари ҳудудидан оқизиб чиқариб ташлаш учун ер тагидан ўтказилган қувурлар, санитария-техника иншоотлари тизими. *Шаҳар канализацияси. Канализация ишлари* ▬ *Бинолар битган-у, аммо канализация ўтказилмаганлиги туфайли, фойдаланишга топширилмай ётибди.* Ҳ. Тожибоев, Пиш-пиш ухлайверинг.

КАНАЛЧИ *с. т.* Канал қурилишида ишловчи; канал қазувчи. *Каналчилар, таниш колхозчилар Жумақул отани кулиб қарши олдилар.* Ш. Сулаймон, Ота ўғил.

КАНАРЕЙКА [*исп.* Canary – Канар ороллари номидан] Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, ёввойи ҳолда яшайдиган ва сайроқилиги учун хонадонларда қафасда ҳам боқиладиган қушча. *Маълумки, канарейкаларнинг фақат нари сайрайди, холос.* «Фан ва турмуш».

КАНАТ [*р.* «канат» < *юн.* kannata – арқон] Пўлат сим, каноп толаси, синтетик ип ва ш. к. дан эшиб (тўқиб, ўриб) тайёрланган эгилувчан узун буюм; йўғон арқон. *Пўлат канат. Канат(ли) йўл.*

КАНАХОНА 1 Кана босган жой, канаси кўп хона.

2 *тар.* Ичида канаси кўп зиндон, қамоқхона. *Амирнинг дори бор, минори бор, ноғорахонаси бор, бу зиндондан бошқа яна «обхона», «канахона» номли дўзахлари бор.* С. Айний, Дохунда.

КАНВА [*фр.* canevas] Каштадўзликда тўрлари кашта асоси бўлиб хизмат қиладиган, крахмал(оҳор)ланган ёки елим суртилган сийрак тўрли оқ мато.

КАНДА [*ф.* کنده – суғуриб, узиб, кесиб ташланган]: **канда қилмоқ** Доим қила-

диган машғулот, иш-ҳаракат ёки одатни бажармай қўймоқ, тарк этмоқ. *Муаллиминг кўрганда, Саломинг қилма канда.* Қ. Муҳаммадий. [*Муҳаррам:*] *Хатни бўлса.. ака-сингилларча самимият билан канда қилмадим.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У* [*Тўрахон*] *ўз эътиқоди билан диний одам бўлиб, намозни ҳам канда қилмасди, рўзани ҳам.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

КАНДАКОР [*ф.* کنده – ўйилган, кавланган + کار – иш] Металлга ўйиб, чизиб нақш ишловчи уста, ҳунарманд.

КАНДАКОРИ Кандакорлик усулида нақш солиб безатилган нарса ёки идиш. *Кандакори лаган. Кандакори офтоба.*

КАНДАКОРЛИК Ўймакорликнинг металл буюмларни ўйиб, чизиб ёки муайян андоза асосида уларга нақш, тасвир ишлаш соҳаси; амалий санъат тури. *Кандакорлик марказлари.*

КАНДИДАТ [*лот.* candidatus – оқ кийим кийган; мансабталаб] *қ.* **номзод.**

КАНДИДАТЛИК *қ.* **номзодлик.**

КАНДИДАТУРА *қ.* **номзод.**

КАНДИК 1 Ўйилиш, емирилиш ва б. сабаб билан ҳосил бўлган алоҳида жой. *Ниҳоят, қизлар дам олиб ўтирган қоянинг ўнг томонида, эллик қадам чамаси пастроқда, учтўрт киши сиғадиган, лекин ғор ёки тузукроқ бир пана жойга ўхшамаган кандикка дуч келдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Дон-дун ва ш. к нарсаларни сақлаш учун хосланган, мосланган жой. *«Тортиқ» келиши гўё бўм-бўш хонадонимизнинг кемтигини тўлатган, гўё кандиклар қоп-қоп ун, гуруч, меваларга тўлгандай кўринар, шу билан бирга, бағримиз ҳам бутлангандай эди.* Ў. Ҳакимали, Навбаҳор.

КАНДИЛ Олманинг кечпишар бир нави ва унинг узунчоқ шаклли, серсув меваси. *Тоғаси иккита розмарин, битта кандил, яна битта Наманган олмаси берди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Бизда олмаларнинг юз беш тури бор: розмарин.. жоноқи, кандил..* Ғ. Ғулом.

КАНДИР, кендир Ёввойи ҳолда ўсадиган, толаси тўқимачиликда хомашё сифатида ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик ва унинг толаси. *Кандир айтир: мен жуганда, Сувсизликдан қолдим чўлда.* «Дали дарё». *Ҳовли юзида бир талай увада латта ва кандир-каноп билан танғиб ташланган шалоқ чарх.. чувалиб кетган калавалар ётар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Хаёлан йигирма йил ортга ҳатлаб, ҳилпиллаган кандир иштон кийган бола ҳолида кўрди ўзини.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

КАНИЗ [*ф.* کنیز – чўри; хизматчи, оқсоч хотин] **1** Тутқун аёл; чўри. [*Афанди:*] *Энди менга бирмунча ходим, каниз, маишат анжомлари берасиз.* «Латифалар».

2 Хон, амир ва бошқа ҳукмдорлар саройидаги хизматчи аёл. *Шоир ҳарамдаги канизлардан бири билан алоқа боғлаган экан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Унинг тагидан кийилган оқ атлас кўйлагининг этаги шунчалик узунки, икки каниз икки томондан кўтариб келяпти.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

КАНИЗАК [*ф.* کنیزک – ёш чўри; ёш оқсоч] Ёш каниз. [*Маждиддиннинг*] *Хотини маликани, бутун канизаклари билан.. ўз уйига чорлайди.* Ойбек, Навоий. *..Чиройли қизлардан қирқ канизак қилиб берди..* «Бўтакўз».

КАНИКУЛ [*лот.* caniculares dies – йилнинг энг иссиқ кунлари < canicula – «итча» – июль ойи охирида кўринадиган Сириус юлдузининг номи] *қ.* **таътил**. *Шундай қилиб, бизни соғинтирган баҳор каникули келди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

КАНИСТР(А) [*ингл.* canister – тунука идишча, қутича] Ҳаво киритмайдиган қопқоқли бак (турли хил суюқликлар, мас., бензин солиш учун ишлатилади). *Бир куни машинасига тўртта канистрда бензин олиб..* Газетадан.

КАНИФОЛЬ [*юн.* Кичик Осиёдаги қадимги Колофон (Kolophon) шаҳри номидан] Игнабаргли дарахтлар ширасидан олинадиган, сарғиш-қизил ёки тўқ қизил шишасимон мўрт модда (саноатда елимлаш, изоляция қилиш ашёси сифатида, шунингдек, камончага суртиш учун ишлатилади).

КАННА I [*юн.* kanna – қамиш] *қ.* **шойигул.**

КАННА II [< *африка тилларидан*] Африкада яшайдиган, антилопалар гуруҳига мансуб жуфт туёқли сутэмизувчи ҳайвон.

КАННИБАЛИЗМ [*фр.* cannibalisme < *исп.* Canibal – одамхўр] **1** Одам гўштини одам ейишдан иборат, энг қадимги, ибтидоий одамларга хос ҳодиса.

2 *биол.* Ҳайвонот дунёсида: муайян турга мансуб ҳайвонларнинг бир-бирини ейиш ҳодисаси.

КАНОН [*юн.* kanon – қоида, йўл-йўриқ] Муайян йўналиш, таълимотдаги қонун-қоида; анъана тусини олган, умум томонидан қабул қилинган нарса (бадиий адабиёт, санъат ва ш. к. да).

КАНОП [*р.* кенаф < *лот.* cannabis – зиғир, каноп] **1** Поясидан тола олинадиган, бир йиллик баланд ўтсимон ўсимлик; унинг толаси. *Каноп экилган майдон. Каноп фабрикаси. Каноп ип. Каноп арқон.*

2 Шу толадан эшилган ип. *Қоп оғзини каноп билан боғламоқ. Қоп-қанорни каноп билан тикадилар.* ▬ *Канопнинг бир учи катта ходага, иккинчи учи қамишларга боғланган, буларга ҳамма вақт катта балиқлар илинади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КАНОПЗОР Каноп экилган майдон. *Бир тарафи канопзор, иккинчи томони ғўзалар гуркираб турган йўлдан борарди.* Ф. Усмонов, Она қалби.

КАНОР(А) [*ф.* كناره – كنار – қирғоқ, чет] *эск.* Қирғоқ, чет. *Бир дафъа саргардон йўл канорида, Ясси қир бағрида сен бўлдинг дучор.* Миртемир. *Бу ерларда аждодлари яшаган. Ўзи туғилиб ўсган Найманча ҳам чўл канорасида.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Тоғ канораси Тоғ ёнбағри, этаги. *Уч қиз йўл юрса ҳам мўл юриб, неча шаҳар, дарё, саҳролар ошиб, ниҳоят, бир тоғнинг канорасига етиб борибдилар.* «Эртаклар».

КАНОЭ [*ингл.* canoe < *исп.* canoa – қайиқ] **1** Шимолий Америка индейсларининг яхлит дарахт танасини ўйиб ишлаган узун энсиз қайиғи.

2 *спрт.* Бир тиззада туриб олиб, эркин ҳолдаги қисқа эшкак билан бошқариладиган енгил спорт қайиғи.

КАНОЭЧИ Каноэ спорти билан шуғулланувчи шахс.

КАНТАТА [*итал.* cantata < *лот.* cantare – куйламоқ] Хор, яккахонлар (солистлар) ва оркестр учун ёзилган тантанали мусиқа асари. *Эндиликда республика композиторлари опера ва балетлар.. кантата ва симфоник поэмалар.. яратмоқдалар.* Газетадан.

КАНТОН [*фр.* canton – даҳа, мавзу] Швейцария, Бельгия ва б. баъзи мамлакатларда маъмурий-ҳудудий бирлик.

КАНТЧИ Кантчилик тарафдори, Кант фалсафаси тарафдори.

КАНТЧИЛИК Немис файласуфи Иммануил Кант ва унинг издошлари томонидан яратилган идеалистик фалсафий оқим.

КАНЦЕЛЯРИЯ [*лот.* cancellaria] *қ.* **девонхона.**

КАНЦЕРОГЕН [*лот.* cancer – қисқичбақа, саратон + genesis – келиб чиқиш, пайдо бўлиш]: **канцероген модда** Маълум шароитларда организмда рак ва б. ёмон сифатли, ҳаёт учун хатарли ўсмалар ҳосил қилувчи модда.

КАНЦЛЕР [*нем.* Kanzler < *лот.* cancellaria] Баъзи мамлакатларда олий давлат лавозими ва шу лавозимдаги амалдор.

Федерал канцлер Германия Федератив Республикаси ва Австрияда: давлат бошлиғи.

КАОЛИН [Хитойдаги жой номи] Чинни, қоғоз ишлаб чиқариш ва б. саноат тармоқларида ишлатиладиган, ўтга чидамли, чўзилувчан оқ лой. *Йил давомида Ангрен конида кўмир қазиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Каолинлар ҳозир ўнга яқин соҳада ишлатиладиган муҳим хомашёдир.* Газетадан.

КАП [*а.* كفّ – панжа, кафт]: **кап отмоқ** Кафтга солиб (ёки қоғозда) оғизга солмоқ. *Қози домла кафтига уқалаган анор доналарини кап отиб: -Э, не важҳдин йўқлағувчи бўлмасун? – деди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Бизга ичиладиган ё кап отиладиган дори тўғри келмайди, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАПА Вақтинча яшаш учун дарахт шохлари ва йирик ўт-ўланлар билан ўраб куриладиган хона, ёзлик уй; чайла. *Ҳамма ўзига қамишдан капа қилиб олган.* С. Аҳмад, Одамнинг изи. *Баҳор ва ёз кунлари капада кун ўтказиш мумкин-а, аммо қаҳратон қишда, айниқса кечалари, сира чидаб туриб бўлмасди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КАПАКИ I **1** Пойабзалнинг тагчарми.

2 Эскирган, тешилган тагчарм устидан қопланадиган чарм, резина ва ш. к. *Чарм капаки. Резина капаки.* ▬ *Унинг* [*Омонтойнинг*] *капаки солинавериб, тагчарми қалинлашиб кетган этигининг қўнжлари букланиб, чанг йиғилиб қолган.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

КАПАКИ II [*а.* + *ф.* كفكى – кафтга оид, кафт билан]: **капаки (қилиб) отмоқ** Кафтга солиб, оғзига отмоқ (нос, толқон ва ш. к. ҳақида).

КАПАЛАК Икки жуфт оқ, кулранг ёки ранг-баранг қанотли нозик ҳашарот. *Капалак гулни соғинар, булбул – куйни.* Мақол.

▬ *Райҳонлар қад кўтариб, ҳид сочди, бирин-кетин очилган ранг-баранг гуллар устида капалаклар қанот қоқа бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Капалаги учмоқ *ҳазил* 1) жуда қўрқиб кетмоқ. *Эртасига от оғриб қолса бўладими! Капалагим учиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) аччиқланмоқ, ғазабланмоқ. *Эркалиги ҳам майлига-я, буйруқни ёмон кўришади, сал гапга капалаклари учади.* Ойдин, Юрагида ўти бор.

КАПГИР [*ф.* کفگیر – кафтда тутувчи, ушловчи] **1** Қуюқ овқатларни кавлаш ва сузиш учун ишлатиладиган, тешик-тешик япалоқ кафтли рўзғор буюми. *Йигиталининг ошхонасида.. капгирдан тортиб човлигача бор.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 *с. т.* Соат маятниги. *Узун сариқ капгирини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта девор соат узиб-узиб данғиллай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАПЕЛЛА [*лот.* capella – кичик бутхона, ибодатхона] **1** Черков хонандалари хори; кейинчалик вокал-чолғу мусиқа жамоаси. *Ўзбекистон телерадиоси хор капелласи.*

2 Баъзи махсус таркибли оркестр (ансамбл)ларнинг номи. *Ҳарбий капелла. Жаз капелласи.*

3 Католик ва англикан динида айрим зодагонларнинг оилавий ибодати учун мўлжалланган, ибодатхоналар ёнида, сарой ва қасрларда жойлашган кичик бутхона.

КАПЕЛЬМЕЙСТЕР [*нем.* Kapellmeister – капелла (хор) раҳбари, устаси] Театрдаги ёки ҳарбий симфоник оркестр дирижёри.

КАПИЛЛЯР [*лот.* capillaris – соч толасидек ингичка, қилдек] *махс.* **1** Тешиги жуда тор, ингичка найча. *Орбитада эса капиллярлар, кутилмаганда, расмана насослар сингари, сувни тортиб чиқара бошлади.* «Фан ва турмуш».

2 (кўпл. шаклида) Микроскопда кўринадиган энг майда қон томирлари; қил томирлар. *Капиллярлар жуда майда томирлар бўлиб, майда артерияларни кичикроқ веналар билан туташтирувчи тармоқлар ҳосил қилади.* «Одам анатомияси ва физиологияси».

КАПИТАЛ I [*нем.* Kapital < *лот.* capitalis – бош, асосий] **1** *иқт.* Ўзини ўзи кўпайтириш учун фойдаланиладиган, ўз эгасига фойда, даромад келтирадиган бойлик (қимматли қоғозлар, пул маблағлари, моддий мол-мулк ва ш. к.). *Саноат капитали. Савдо капитали. Капитал бозори.*

2 *с. т.* Катта маблағ, кўп пул, бойлик. *Капиталнинг маълум шахслар қўлида тўпланиши.*

3 *кўчма* (аниқловчи сўз билан) Кимгадир катта бойлик, қадрият ҳисобланган, муҳим аҳамиятга эга бўлган, аҳамиятга молик нарса. *Жамиятимизда инсон саломатлиги бебаҳо капитал ҳисобланади.* Газетадан.

КАПИТАЛ II Асосли равишдаги, тубдан бўладиган; катта; кўп меҳнат ва маблағ талаб қиладиган. *Капитал маблағлар. Капитал ва жорий таъмир.*

Капитал қурилиш Асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини қайта ишлаб чиқаришни таъминловчи янги объектлар қурилишини ва мавжудларини кенгайтириш, шунингдек, уларни реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга оширувчи махсус қурилиш фаолияти.

КАПИТАЛИЗАЦИЯ [*фр.* capitalization – капиталга айланиш, айлантириш] *эск.* **1** Қўшимча қийматни, фойдани капиталга айлантириш; қўшимча қийматнинг капиталга айланиши.

2 Капиталистик жамиятда мол-мулкнинг (асосан акциялар ва ш. к. қимматли қоғозларнинг) қийматини ундан олинадиган даромадга қараб белгилаш, ҳисоблаб чиқариш.

КАПИТАЛИЗМ [*нем.* Kapitalismus < *лот.* capitalis – бош, асосий] Юқори ишлаб чиқариш даражаси, фуқаролик жамияти, ривожланган бозор иқтисодиётига ҳамда хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий тузум.

КАПИТАЛИСТ [*нем.* Kapitalist – капитал эгаси] Капитал эгаси; ўз маблағларини, баъзан ёлланма меҳнатни фойда олиш учун ишлатадиган шахс.

КАПИТАЛИСТИК Капитализм принципларига асосланган, капитализмга хос бўлган. *Капиталистик ишлаб чиқариш усули. Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари. Капиталистик ахлоқ. Капиталистик давлат.*

КАПИТАН [*фр.* capitaine < *лот.* capitaneus – пешқадам, сардор] **1** Бир қанча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон қуролли кучлари, ички ишлар тизимида катта лейтенантдан юқори, майордан кичик офицерлик (зобитлик) унвони ва шу унвонга эга бўлган офицер (зобит).

2 Кема экипажига бошчилик қилувчи, кема бошлиғи.

3 Спорт ва шунга ўхшаш ўйинларда ўзаро мусобақалашаётган жамоаларнинг сардори, етакчиси.

Зангори кема капитани Пахта териш машиналарини бошқарувчи механизатор.

КАПИТУЛЯЦИЯ [*лот.* capitulare – муайян шартлар билан келишиб олмоқ < capitulum – қонун моддаси, боби] Қуролли қаршилик кўрсатишни тўхтатиш ва душманга (ғолибга) у талаб қилган шартлар асосида таслим бўлиш.

КАПЛАМОҚ *с. т.* Кафтлаб олмоқ. *Толқонни каплаб емоқ.*

КАПОТ [*фр.* capote] Турли механизмларда уларнинг маълум қисмларини чанг, намлик, ёғин-сочин ва ш. к. дан сақлаш учун ишланган, очилиб-ёпиладиган темир қопқоқ. *Самолёт капоти.* ▬ *[Азизов] Капотни ёпиб, чаққонлик билан кабинага чиқди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *Машина мотори бирикки йўталиб ўчди. Ваҳобжон шошиб тушиб, капотни очди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

КАППА-КАППА: оғзини каппа-каппа очмоқ Оғзини энтикиб-энтикиб, катта-катта очмоқ. *Иссиқ бугун чакана эмас. Шундай салқинда ўтириб, худди сувдан чиққан балиқдай, оғзимни каппа-каппа очаман.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Каппа-каппа емоқ (***ёки* **отмоқ)** Каппалаб емоқ, отмоқ. *Том устида пашмак-толқон, каппа-каппа есамми. Тарновлардан чак-чак оққан сувни шарбат десамми.* Ҳ. Ёқубов, Қиш завқи.

КАППАЛАБ Оғзини катта-катта очиб ва оғзига кўп-кўп солиб. *То ҳайҳайлаб боргунимча* [*сигир*] *бир туп ғўзани кўсак-пўсаги билан каппалаб, жиғилдонига урди-қўйди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Тер тўкиб бир жойда ишламаган, бели оғримаганнинг каппалаб нон ейиши шу-да.* «Муштум».

КАППОН [*а.* قپّان – тарозининг бир тури] **1** Ғалла бозорига ўрнатилиб, оғир юклар тортиладиган бир паллали катта тарози.

2 Шундай тарози ўрнатилган, усти очиқ ёки тим қилинган дон, ғалла бозори. *Ҳаммолликнинг ўнинчи-ўн биринчи куни бир мўйсафид киши* [*Йўлчига*] *каппондан буғдой кўтартирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кимлар Чархипалак, каппон томонга, кимлар беда бозори, хода бозорига шошади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАПРИЧЧИО [*итал.* capriccio – инжиқлик; ноз] Эркин тарздаги, тузилишдаги, оҳанглари тўсатдан, ғалати ўзгарадиган чолғу мусиқа асари, мусиқий пьеса.

КАПРОН 1 Капролактам номли органик бирикмадан олинадиган сунъий толанинг бир тури. *Капрон толаси табиий ипакка қараганда 2,5 марта пишиқ.* М. Обидова, Химия – турмушимиз безаги.

2 Шу толадан тўқилган газлама; бу газламадан тайёрланган кийим ва б. *Капрон кўйлак. Капрон пайпоқ.* ▬.. *капрон, крепдешин, духобалар тўқиймиз, – дейишибди чеварлар.* Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар. *Эшик очилиб, йўл-йўлакай қўлидаги капрон қўлқопини ечиб, ориқ доктор кириб келди.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

КАПСАН [*ф.* کفسن – кимсанинг хирмонидан маъмур-амалдорлар оладиган ҳақ**] 1** *тар.* Қишлоқ маъмурлари, руҳонийлари, шунингдек, қишлоққа хизмат қилувчиларга (мас., мироб, подачи, сартарош, тегирмончи ва ш. к. га) деҳқонлар томонидан маҳсулот, дон билан тўланадиган ҳақ. *Бек-ку бу, йигитлари билан келибди, яхшиликка бўлсин ишқилиб. Капсан олишга келгандир-да.* А. Суюн, Олис тонглар.

2 *эск.* Хирмон кўтарилганда камбағалларга бериладиган садақа-сийлов. *Эшак миниб чўлма-чўл капсан йиққан чол ҳозирги замон «Победа»сига тушиб юрипти.* И. Раҳим, Оловкор. *Ўзи тўнғиздан тўқ, тағин сендан капсан олар эмиш, вой капсан еган тишингга..* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 *тар.* Бозорда сотилган ғалладан олинган ҳақ. *Шокиржонни «сахий йигит» дейишади. Ўзи топган «капсан» ва «чўтал»ларнинг қоқ ярмини бошлиқларга беради.* «Муштум».

КАПСАНЧИ *тар.* Капсан олувчи. *Капсанчилар деганининг маъноси шуки, ҳосилдан бойлар еринининг ҳақини, князь сувининг ҳақини олгандан кейин.. деҳқонга капсан қатори бир нарса қолар эди, холос.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шокиржон Самиғов кўринди дегунча, бозордагилар «ана, капсанчи келяпти», дейишади.* Муштум.

КАПСУЛА [*лот.* capsula – қутича, яшикча) **1** Ютиладиган суюқ ва кукунсимон дориларнинг крахмал, желатин ёки қоғоз каби юпқа материалдан қилинган қобиғи, ғилофчаси. *Капсулага жойлашти-*

рилган бу дори худди ҳап дори сингари ютиб юборилади. «Фан ва турмуш».

2 *анат.* Турли ички аъзоларни ёки уларнинг айрим қисмларини ўраб олган парда. *Капсулалар пиёла шаклида бўлиб, диаметри 0,25 мм дир.* «Одам анатомияси ва физиологияси».

3 *махс.* Космик кеманинг ундан ажраладиган ва Ерга, бошқа бирор осмон жисмига ёки сувга қўниш учун мосланган бўлмаси.

КАПСЮЛЬ [*фр.* capsule < *лот.* capcula – қутича] Артиллерия снарядлари, патрон, граната ва ш. к. ларда урилиш, зарба натижасида алангаланиб, портлашни юзага келтирувчи портловчи моддаси бўлган юпқа металл ёки пластмасса қалпоқча. *Граната капсюли. Мина капсюли. Снаряд капсюли.* ▬ *Нормат танкка қарши гранатанинг капсюлини юлиб, ирғитиш учун қўл чўзган эди, кимдир уни тўхтатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КАПТ *қ.* **кафт**. *Ҳасан суви ташланган шоввада ўзи ёлғиз хаёл суриб, бошини икки капти билан ушлаб ўтирган боғбонни кўрди.* С. Абдулла, Танланган асарлар.

КАПТАР [*ф.* كبوتر] Ранг-баранг тусли ва турли катта-кичикликдаги хонаки ёки ёввойи қушларнинг умумий номи. *Оқ каптар. Кўк каптар. Чинни каптар. Гов каптар.* ▬ *Яна қандай денг, энг ўйинчи, серпарвоз каптарларимдан ажралдим.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Тинчлик каптари Тинчлик тимсоли бўлмиш оқ каптар. *Қудратимиз, шонимиз даракчилари, Тинчлигимиз тимсоли каптар ётибди.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

КАПТАРБОЗ [*ф.* كبوترباز – каптар ўйновчи] Каптар ишқибози, каптар боқувчи. *Бобоқул ота Қўзибойни тўхтатди: -Сен, болакай, қайтишда анави каптарбоз болани ҳам олдингга солиб келгин.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

КАПТАРХОНА 1 Каптарлар турадиган ин, уй. *Сўққабош маҳалла қоровули томига атайин каптархона қуриб, эллик-олтмиштача каптар боқарди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 *с. т. кўчма* Кирди-чиқди кўп бўладиган (ҳар ким кириб-чиқиб кетаверадиган) жой.

КАР [*ф.* كر – эшитмайдиган] Эшитиш қобилиятини йўқотган, эшитмайдиган ёки яхши эшитмайдиган, шунингдек, эшитган сўзининг маъносини ажратиш даражаси жуда пасайиб кетган; гаранг, карқулоқ. *Ҳа, менга нима бўпти, эшитмай қулоғим карми?* Ойдин, Ҳикоялар. *Қулоғи оғир ёки бутунлай кар кишилар учун «электрон қулоқ»нинг тажриба нусхаси яратилди.* «Фан ва турмуш».

КАРАБИН [*фр.* carabine] Оғирлигини камайтириш ва ишлатишда қулайлик учун қисқартирилган винтовка; қисқа стволли ов милтиғи.

КАРАБИНЁР [*фр.* carabinier] **1** *тар.* 19-аср ўрталаригача Ғарбий Европа ва Россияда карабин билан қуролланган ва сараланган ўқчилар қисмига мансуб отлиқ ёки пиёда аскар.

2 Айрим мамлакатларда (Италия, Чили каби)да: жандарм.

КАРАВОТ [*р.* кровать < *юн.* krabbatos] **1** Тўрт оёқли, устига кўрпа-тўшак солиб ётиладиган уй-рўзғор анжоми. *Шербек ҳовли ўртасидаги япасқи балхтут тагидаги каравотга ечинмасдан чалқанча ётди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Унинг [Зебонинг] каравоти ғирч-ғирчидан онанинг уйқуси ўчиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Устида кўпчилик бўлиб ўтириш (баъзан ётиш) учун махсус ишланган, ёз кунлари ҳовли, чойхона ва ш. к. жойларга қўйиладиган махсус қурилма; сўри, кат. *Нури гилослар остига қўйилган, панжаралари кўк бўёқ билан сирланган катта ёғоч каравотга қалин кўрпача ёйиб, ёстиққа ёнбошлаб ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАРАМ I [*а.* كرنب *ф.* كلم – كرم – карам] Полиз экини, резаворнинг бир тури ва шу экиннинг барглари ўрамидан ҳосил бўлган боши, ҳосили. *Карам кўчати. Карам тузламоқ. Карам шўрва. Карам дўлма.* ▬ *Бутун оиласи бу ерга помидор, пиёз, редиска, карам ва ҳоказо резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб, «пул» қилишга тиришар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАРАМ II [*а.* كرم – яхшилик, саховат] *кт.* Марҳамат, мурувват, ҳиммат. [*Шоҳмурод:*] *Тангрининг карамига сиғиниб, уларни Астробод томонга жўнатдим, Худойим лутф қилса, бирон иш қилиб келарлар.* С. Айний, Қуллар. *Меҳнатда бўлур аҳли замоннинг карами, Ҳам дабдабали тўю иморат, ҳашами.* Ҳабибий.

Карам қилмоқ (*ёки* айламоқ, этмоқ) Раҳм-шафқат, мурувват қилмоқ, сийламоқ.

Эй кўзлари хуморим, Карам қил, бунча куйдирма, Куйди сабру қарорим, Дилим куйгунча куйдирма. Т. Тўла.

КАРАМЕЛЬ [*фр.* caramel < *лот.* canna mellis – шакарқамиш] **1** Конфетнинг шакар ва қиёмдан, хушбўй ҳидли ва ранг берувчи модда қўшиб тайёрланадиган қаттиқ бир тури. *Нордон карамель. Карамель цехи.*

2 *махс.* Қандолат маҳсулотларини рангдор қилиш учун ишлатиладиган қовурилган шакар.

КАРАМЗОР Карам экилган майдон, дала. *Йигитлар, гўё карамзор бошидаги дарахтларда тинмай сайраётган булбулга қулоқ солаётгандек, жим қолишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАРАНТИН [*фр.* quarantaine – қирқ < *итал.* quaranta giorni –қирқ кун] Юқумли касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалишининг олдини олиш учун давлат томонидан ўтказиладиган санитария тадбирлари. *Карантинга қўймоқ. Карантин эълон қилмоқ.*

КАРАНТИНЧИ Карантин тадбирларини амалга оширувчи, карантин қилувчи. *Карантинчиларга баҳона керак. Бир тўп зарпечакни кўришса бас, акт тузиб, жаҳонни заҳар-заққумга ботириб юборишади.* С. Нуров, Нарвон.

КАРАОКЕ [*яп.* «қуруқ, ёлғиз оркестр»] **1** Мусиқа маданиятининг оммавий қўшиқларни ҳаваскор қўшиқчилар томонидан тайёр куй ва матн ёрдамида ижро этишга асосланган соҳаси.

2 Қўшиқларни шундай ижро этишга мўлжалланган аппаратура.

КАРАТ [*нем.* Karat < *итал.* carato – дуккакли дарахт донининг оғирлиги] Заргарликда қимматбаҳо тошлар, бриллиантларни ўлчаш (тортиш)да қўлланадиган ва 200 миллиграммга тенг ўлчов бирлиги.

КАРАТЕ, каратэ [*яп.* «ҳеч нарсасиз, яланг қўл билан»] Қуролсиз ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг японча тизими: рақиб танасининг оғрийдиган, энг нозик жойларига қўл ёки оёқ билан зарбалар беришга асосланган спорт тури. *Халқаро карате федерацияси.* ▬ *Каратенинг ҳозирги қоидалари 20-асрнинг бошларида.. шаклланган.* «ЎзМЭ».

КАРАТЕЧИ Карате мутахассиси, карате билан шуғулланувчи шахс. *..Илҳом Каримов, Отабек Қосимов.. сингари каратечилар жаҳон кубоги ва Осиё чемпионатларида совринли ўринларни эгаллашган.* «ЎзМЭ».

КАРАХТ [*ф.* کرخت – сезгиси йўқолган, увушган; қотиб қолган] **1** Ҳис-сезгиси ўлик; ҳаракатсиз, қотиб қолган. *Назокатнинг.. карахт вужудида томирларга қон югургандек бўлди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *-Қўл майиброқ, ўғлим.. – деди чол Сидиқжонни хижолатдан чиқариб, – мана шу ўнг қўл карахт.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қалби дод, дод, деб фарёд солар, аммо йиғлай деса, кўзига ёш келмади, сўзлай деса, тилига сўз келмади – вужуди карахт бўлиб қолган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Эс-ҳушини йўқотган, ҳушсиз. *Шарофат Анзират холанинг остонасидан ичкарига қадам босганда, заҳарга тўлган чаёндек, ўз заҳаридан ўзи карахт эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мудҳиш хабар Бобурни жимжит қилиб қўйди. У карахт бир аҳволда кийинди. Отига минди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

КАРАХТЛАНМОҚ *кам қўлл.* Карахт бўлмоқ. *Акрам мирobнинг бармоғининг учлари карахтланиб, сезгисини йўқота бошлади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

КАРАХТЛИК Ҳис-сезгисиз, карахт ҳолат. *Анчадан сўнг Саидғози ўзига келди. Вужудидаги карахтлик тарқаб, мияси ишлай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Сув Назарнинг юзларини тиниқлаштирган, руҳини эзиб турган карахтликни тарқатиб юборган эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

КАРАШ 1 *тиб.* Касалликдан тил устида пайдо бўладиган оқ қатлам. *Тил караш боғлаб қолган бўлса, яхшилаб артиш зарур.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Касалликнинг бошланишида тил усти қуруқ ва оқ караш бўлади.* Ҳ. Ҳакимов, Ўткир аппендицит.

2 *кўчма* Танадаги кир қатлам. *..оёғидаги қават-қават пайтава, қотиб кетган жун пайпоқни ечаётган Меҳринисонинг кўнгли алланечук бўлиб кетди: -Оёқларинг караш бўлиб кетибди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КАРАШЛАНМОҚ Караш пайдо бўлмоқ, караш қопламоқ. *Беморнинг* [*қорин тифи билан оғриган*] *тили карашланади..* Газетадан.

КАРАШМА [*ф.* كرشمه – нозик кўз қараши, жилва, ноз] Бировга ёқиш учун гавда, айниқса, юз-кўз билан қилинган нозли ҳаракат; қичиқ. *Карашма қилмоқ.* ▬ *-Кетай деб ўрнимдан тургандим, – деди Зарифа Шералидан кўз узмай, карашма билан унинг диққатини ўзига жалб этишга тиришиб.* С. Кароматов, Олтин қум.

КАРАШМАЛИ Ноз-карашма қиладиган; нозли; ноз-карашма билан ижро этилган. *Карашмали қиз. Карашмали ҳаракат.* ▬ [*Қиз:*] *-Мана бу узумни олинг, жуда яхши пишибди, қўлимни қайтарманг! – деди-да, йигитларнинг кўнглини ларзага соладиган шўх, карашмали кулги билан кулди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАРБАМИД [*лот.* carbo – кўмир + амид < ammiac] Кўмир ва ҳаво аралашмасидан олинадиган ўғит. *Карбамид кимё заводларида арзон хомашё – кўмир ва ҳаводан синтез қилиб олинади.* «Фан ва турмуш».

КАРБИД [*лот.* carbo – кўмир + *юн.* eidos – ўхшаш] *ким.* Углероднинг баъзи металл ёки металлмаслар билан бирикмасидан иборат жуда қаттиқ, кристалл модда. *Кальций карбид.*

КАРБОЛ [*лот.* carbo – кўмир + ol(eum) – мой]: **карбол кислота** Дезинфекцияловчи, шунингдек, полимер ва дорилар олишда ишлатиладиган органик бирикма.

КАРБОНАТЛАР [*лот.* carbo, carbonis – кўмир] **1** *ким.* Кўмир (карбонат) кислота тузлари (мас., сода).

2 *ким., геол.* Таркибида углерод оксид бўлган минераллар.

КАРБОРУНД [*лот.* carbo – кўмир + (ко)рунд] *махс.* Қаттиқ абразив материаллар (чарх тоши, жилвир ва б.), ўтга ва кислотага чидамли буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланадиган рангсиз ёки кулранг кристалл; кремнийнинг углерод билан бирикмаси.

КАРБОС [*ф.* كرباس – дағал ипли мато] Оддий (бўялмаган) ип газлама. *Тошкентнинг тўқувчи ҳунармандлари бўз ёки карбос.. тўқиганлар.* Ф. Озодаев, Ҳунармандчилик.

КАРБУНКУЛ [*лот.* carbunculus – кўмир парчаси]. Ёнма-ён жойлашган бир неча соч халтачаси ва ёғ безлари атрофидаги терининг чуқур қатлами ҳамда тери ости тўқималарининг ўткир йирингли яллиғланиши; ҳўппоз, кўк яра.

КАРБЮРАТОР [*фр.* carburateur] Ички ёнишли двигателларда ёнилғи буғлари билан ҳаво аралашмасини тайёрлаб берадиган асбоб. *Ёнувчи аралашма «карбюратор» деб аталадиган махсус асбобда тайёрланади.* «Физика».

КАРВИЧ *шв.* Ғишт. *Хива. Ҳеч ким йўқ кўча. Карвич деворлар баланд.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

КАРВОН [*ф.* كاروان – туя ва б. юк ташувчи ҳайвонлар қатори] **1** Узоқ жойларга юк ва одам ташувчи, изма-из борувчи ҳайвонлар, аравалар ва уларни бошқарувчи шахслар тўдаси, қатори. *Савдогарлар карвони. Туялар карвони. Ит ҳуради, карвон ўтади.* Мақол. ▬ *Йиллар давомида афғон ерида битган ложувард жаҳонга донг таратган, карвонлар уни машаққатли йўл юриб, узоқ Миср, Хитой.. ўлкаларига элтарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ўшалар* [*бадавийлар*] *нене машаққатлар билан ҳажга келган-кетганларни талар экан. Шунинг учун ҳожилар якка-дукка юришдан қўрқиб, карвон бўлиб юришар экан..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Умуман, муайян иш, мақсад йўналишидаги транспорт воситалари тўдаси, қатори. *Машиналар карвони. Кемалар карвони. Пахта карвони.* ▬ *Ҳарбий карвон ҳамма тўсиқларни янчиб, Деновдан ўтди.* «Шарқ юлдузи». *Қазувчилар карвони тоққа яқинлашган сари араваларнинг ғилдираклари тошшағалларда яна бадтар ғижирлай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Кўчиш (юриш, учиш ва ш. к.) ҳаракатидаги нарсалар тўдаси, қатори. *Кўкда оқ булут карвонлари ялқов сузса-да, қуёш ҳашамат билан чақнаб кўтарилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тиниқ осмонда турналар карвони арғимчоқ солиб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

4 *эск.* Карвонни бошқарувчи шахс; карвонбоши. *Кўпчилик лозим кўрса, карвон туясини сўяр.* Мақол.

5 *с. т.* Араваларда йўловчи ёки юк, мол ташиш билан шуғулланувчи шахс; аравакаш. *Шоюнус карвонда етти ўғил бор.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Бу ҳафта бизга ёрдамлашасиз-да, карвон, – деди кулумсираб Тўғон ака.* А. Қодирий, Улоқда.

Оғир карвон *қ.* **оғир.**

КАРВОНБОШИ 1 Савдо карвони бошлиғи, карвонга бошчилик қилувчи. *Савдо-*

гарлар туяларини йиғиб, юкларини ортиб, карвонбошига «тайёр бўлдик», дейишибди. «Эртаклар». *Карвонбоши — чақмоқ саллали, назари совуқ одам — жуда шошарди, мешларга сув тўлатаётган туякашларни қамчиларди.* «Ёдгор».

2 *тар.* Амирга қарашли туя, от, арава ва ш. к. турадиган саройнинг бошлиғи.

3 *тар.* Юк ҳайвонлари ва араваларни кира қилиш ишларида воситачилик қилувчи даллол.

4 *кўчма.* Биринчи ўринда борувчи, бошида борувчи; етакчи, йўлбошчи; раҳбар. *Ҳосилдорликни ошириш учун битмас-туганмас имкониятлар борлигини амалда исбот этган карвонбошилардан бири ҳам шу йигит бўлди.* Газетадан.

КАРВОНКАШ [*ф.* کاروانکش — карвонни етакловчи; Сириус юлдузи] Ёз кунлари ярим кечада шарқ томонда кўринадиган энг ёруғ қўшалоқ юлдуз.

КАРВОНСАРОЙ 1 [*ф.* کاروانسرای — карвонлар тўхтайдиган сарой] Карвонлар қўниши, тунаши учун махсус мосланган жой; сарой. *Карвонлар олиб келганини сотиб, оладиганини олиб ётди. Шу вақтда бир неча амалдор бож олмоқчи бўлиб, карвонсаройга келиб қолди.* «Ёдгор».

2 *с. т.* Келди-кетди, кирди-чиқди кўп бўладиган жой, хонадонга нисбатан қўлланади. *Холиса ювилган қошиқларни қўяётганда, бармоғи тортмага қисилиб қолди. «Уҳ-уҳ»лаб, бармоғини лабига босди: -Қуриб кеткур, бу уй эмас, карвонсарой.* С. Нуров, Нарвон.

КАРВОНХОНА *айн.* **карвонсарой.**

КАРДИНАЛ [*лот.* cardinalis — бош, асосий] Католицизмда руҳонийларнинг пападан кейин, епископдан олдин турадиган олий унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Кардиналлар шу лавозимга папа томонидан тайинланади.* «ЎзМЭ».

КАРДИОГРАММА [*юн.* kardia — юрак + gramma — ёзув] Юрак уришининг кардиографда ёзиб олинган график тасвири. *Ультратовуш билан ёзиб олинган кардиограмма юрак клапанларининг торайганлигини аниқлай олади.* «Саодат».

КАРДИОГРАФ [*юн.* kardia — юрак + grapho — ёзаман] Юрак уришини ёзиб олувчи асбоб.

КАРДИОГРАФИЯ Юрак уришини кардиограф ёрдамида ёзиб олиш.

КАРДИОЛОГ Юрак касалликлари врачи, кардиология мутахассиси.

КАРДИОЛОГИЯ [*юн.* kardia — юрак + logos — таълимот] Тиббиётнинг юрак касалликларини ўрганадиган, уларнинг олдини олиш, даволаш усулларини ишлаб чиқадиган соҳаси. *Кардиология маркази.*

КАРЕТА [*пол.* kareta] Усти ва ёнлари ёпиқ тўрт ғилдиракли енгил арава.

КАРЖ [*ф.* کرج — бир тилим, парча, бурда] **1** Қовун ёки тарвуз тилимидан кўндалангига кесилган бўлак(лар). *Эпчил баковул дарҳол дастурхон ёзиб, энг олдин бир даста нон, кейин анжир, узум, карж қилинган қовун келтириб қўйди.* М. Осим. Элчилар. *Алижон, қўлида бир карж тарвуз ушлаган ҳолда, бошини сарак-сарак қилди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 Дўппи тахининг тўрт қисмга ажраладиган бўлакларидан бири. *-Ҳой қуда, менга қаранг, — қўлидаги чуст дўппининг каржларини текислай туриб гапира бошлади Хосият хола..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Бирор жой, сатҳнинг бир хилдаги ажралган қисми, бўлаги. *Табиатми, ёзги жозиба, афсун, Арча тоғларининг каржларида қор.* С. Акбарий.

КАРЖЛАМОҚ 1 Карж қилиб кесмоқ (қ. **карж 1**). *Мен ва бувим чайлада Ўлтириб шу паллада, Сўйиб қилдик коса ҳам, Каржлаб едик роса ҳам.* Қ. Ҳикмат. *У дарров кичкина катга кўрпача тўшади, қовун каржлади.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 *махс.* Каржларга, тенг тўрт қисмга ажратмоқ, тах урмоқ (кўпинча дўппи ҳақида).

КАРЖЛИ Карж чиқарилган, каржларга бўлинган. *Пастликдан, энг аввал, солдатча этигини судраб, тўрт каржли янги дўппи кийган Эргаш кўринди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Роҳатой узоқ танлади.. абажурнинг саккиз каржли қуббаси уйнинг ҳажмига мос тушишини кўз олдига келтирди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Мақбарага кираверишдаги тўрт каржли чамандзор кишини мафтун қилади.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

КАРИЕС [*лот.* caries — чирик; йиринг] Суяк ёки тишнинг қалин (қаттиқ) тўқимаси аста-секин емирилиши билан кечадиган яллиғланиш жараёни. *Оғиз бўшлиғида бўлган тишларнинг кариесга учраши ва улар орасидаги овқат қолдиқлари микробларнинг кўпа-*

йиши учун шароит туғдиради. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАРИКАТУРА [*итал.* caricatura < caricare – бўрттирмоқ, ошириб юбормоқ] Кулги ёки мазах қилиш мақсадида киши ёки бирор нарса-ҳодисанинг салбий томонларини, характерли хусусиятларини атайлаб бўрттириб ишланган ҳажвий расм. *..тагига эса пашша қўриб ўтирган Садри ва Шоазимнинг ваҳимали карикатураси чизилганди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КАРИКАТУРАЧИ Карикатура ишловчи рассом. *Журналнинг яхши ва мазмунли бўлиши унинг атрофига тўпланган чапдаст муаллифлар.. карикатурачи рассомлар.. армиясига боғлиқдир.* «Муштум».

КАРИЛЛАМОҚ 1 *айн.* **қарилламоқ**.

2 *кўчма.* Ортиқ даражада мақтанчоқлик қилмоқ, ортиқ даражада мақтанмоқ, ўзини шундай ҳолатда тутмоқ. [*Саркор:*] *Менинг ҳаммадан ҳам укам Маматхонга раҳмим келади. Кариллаб юрган йигитнинг ёру оғайнилари орасида шохи қайрилди-я.* К. Яшин, Нурхон. *Қишлоқ самоварида ошхўрлик қилиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, кариллаб ётадиган беш азамат бирданига ғойиб бўлди-қолди.* С. Аҳмад, Аёлларнинг соқоли борми?

КАРИМ [*а.* كريم – ҳимматли, сахий; гуноҳларни кечирувчи] **1** Марҳаматли, олижаноб, сахий. *Холиқсан, каримсан, қаҳрингдан қутқар.* «Маликаи айёр».

2 Карим [эркаклар исми].

КАРИҲ [*а.* كريه – жирканч, ёқимсиз] *эск. кт.* Кўнгил айнитадиган; жирканч, ёқимсиз. *Тунқотарнинг кариҳ бу муқобаласидан кишилар сиқилиб қолдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КАРК [*ф.* کرگدان – каркидон] *с. т.* Каркидон. *Самандар от қўяди, Каркдай бўлиб ғарқираб.* «Гулнорпари».

КАРКАС [*итал.* carcassa – қовурға; скелет] *махс.* Бино, иншоот ёки қурилманинг металл ёки ёғоч синчлари, скелети. *Темир-бетон каркаси.* ▬ *Бир уйнинг эгаси бульдозернинг тагига ётиб олиб, «Уйимни бузадиган бўлсанг, устимдан босиб ўтиб бузасан», деяпти. Уйини яқинда темир каркас билан пухталаб олган экан.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

КАРКИ Каркидоннинг шохи, суяги ёки терисидан қилинган. *От думига сола берди бек Равшан Ўн икки узмали карки қуюшқон.* «Равшан».

Карки қалқон Каркидоннинг терисидан қилинган қалқон. **Карки пичоқ** 1) сопи, дастаси каркидоннинг суягидан ёки шохидан қилинган пичоқ; 2) умуман, суяк сопли пичоқ. *Усмонали ака.. қўлидаги тол новдасини карки пичоқ билан йўниб, унинг гапларига диққат билан қулоқ солар эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

КАРКИДОН [*ф.* کرگدان – каркидон] Тоқ туёқли сутэмизувчиларга мансуб, Африка ва Жануби-Шарқий Осиёда тарқалган, бурни устида битта ёки иккита шохи бор, териси қалин, баҳайбат ҳайвон. *Тошкент шаҳри ва унинг атрофларидаги кўмкўк майсазорларда Сибирь каркидонлари яшаган.* «Фан ва турмуш».

КАРЛИК Мутлақ эшитмаслик ёки эшитишнинг сўзни англай олмайдиган даражада пасайиб кетиши; гаранглик.

КАРМАК Терини ошлаш учун ишлатиладиган таннин моддали илдиз.

КАРМОН [*р.* карман – ҳамён, ёнчиқ] **1** Пул солиш учун махсус (одатда, чармдан) ишланган халтача; ҳамён. [*Мирзакаримбой*] *Кармонидан беш сўмлик қоғоз олиб, сандалга қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тешабой чўнтагидан қалин кармонини олди-да, ичидан ўн сўмлик қоғоз пул чиқариб, Ҳожи холага чўзди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма с. т.* Чўнтак; пул. *Ҳар кимнинг кармони ўзига маълум.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юмалоқ хат ёзишни касб этган туҳматчи иғвогарларнинг касби кармон кесувчи киссавурлардан ҳам тубандир.* Р. Усмонов, Одобнома.

Кармон кўтармайди Пул кам, пул етмайди.

КАРНАВАЛ [*итал.* carnevale < *лот.* carus navalis – ёқимли, ажойиб кема] Маскарад кийимларида, турли томошалар, ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган оммавий сайил. *Шаҳар боғларида қувноқ карнаваллар бўлиб ўтди.* Газетадан. *Карнавал программасининг сўнгги қисмида энг яхши костюм ва маскалар эгаларига мукофотлар берилди.* Газетадан.

КАРНАЙ [*ф.* کرنای – пуфлама мусиқа асбоби] **1** Мисдан ясалган, узун, оғзи кенг (конуссимон), пуфлаб чалинадиган, қаттиқ овозли мусиқа асбоби (одатда, тўй ва катта тантаналарда чалинади). *Куёв узун ва кенг зарбоф тўн кийиб, катта салласига*

кўркам олтин жиға қўндириб, ҳавони титратган карнайлар, сурнайлар садоси билан ўзиникига кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шу асбобга бирор жиҳатдан ўхшаш бўлган нарсага нисбатан қўлланади. *Радио карнайи.* ▬ *Шартта орқасига қайрилди-да, қўлларини карнай қилиб, овозининг борича қичқирди..* С. Анорбоев, Оқсой. *У Алибекнинг қўлидаги карнай қилиб ўралган нарсага кўз ташлади.* «Шарқ юлдузи».

Иштаҳаси карнай *с. т.* Истеъмол қилиш, ўзлаштириш ёки фойдаланиш учун истаги, майли жуда зўр. *Унинг* [*Муроднинг*] *дастурхонни ҳам еб қўйгудай иштаҳаси карнай бўлса ҳам, овқат аралаш, гапини канда қилмас эди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Молмулкка, шон-шавкатга, ҳокимиятга уларнинг иштаҳалари ҳамиша карнай.* Ойбек, Навоий.

КАРНАЙГУЛ Чирмашиб ўсадиган ўсимлик ва унинг карнай шаклида очиладиган гули. *Хонаки алойнинг карнайгулга ўхшаш қизил, сариқ рангли гулини кўриш жуда камдан-кам одамга насиб қилади.* «Саодат».

КАРНАЙЧИ Карнай чалувчи. *Фақат ғижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «так» этиб чертиб қўяр, карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди.* С. Аҳмад, Музикали воқеа.

Карнайчидан бир пуф «Ҳеч оғирлик қилмайди, оғзининг ели билан битади, биздан нима кетди» каби маъноларда ишлатиладиган матал. *Нақлда бир сўз бор, «карнайчидан бир пуф» деган. Индаса-индамаса, бир гап қилиб кўрамизми? — деди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

КАРНИЗ [*нем.* Karnies < *юн.* karonis — тугаллаш] **1** Бино деворининг устки қисмида ёки эшик, дераза устида горизонтал ҳолда туртиб чиққан қисм. *Ҳозир Олмалиқ қурувчилари.. карниз ва тўсинлар.. ва ҳатто симёғочларни ҳам темир-бетондан ясамоқдалар.* Газетадан.

2 Шип, бўғот остидаги тахта, ёғоч ёки ганчдан қилинган узун горизонтал безак; пирамон. *..карнизи фақат тўрт энлик чиқарилгани учун, ёмғир-чочин девор сувоқларини ювиб кетади..* «Муштум».

3 Дераза ёки эшик тепасида парда осиш учун ёғоч ёки металлдан қилинган дор. *Кўрпалар эскириб кетган, чойшаблар кир, пардалар деразаларга ип билан тортиб қўйилган, карнизлар йўқ.* Газетадан.

КАРОМАТ [*а.* كرامت — обрў-эътибор; саховат, сахийлик; мўъжиза] **1** Худонинг, ғайритабиий кучларнинг аралашуви билан, улар ёрдамида вужудга келадиган ғаройиб ҳодиса(лар), мўъжиза.

2 *дин.* Бирор воқеа-ҳодисанинг қачон ва қандай бўлишини илоҳий билим асосида олдиндан билиш, олдиндан айтиб бериш; башорат. *Каромат ноғорачиларда бўлади. Қўшнингнинг хотини туғса, эрталаб ноғора овозидан биласан.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 *эск.* Олдиндан айтилган хабар, фикр-мулоҳаза. *Кароматингиз жуда тўғри.* ▬ *Эшон ва эшон аянинг ҳар бир гапини каромат билган муридларнинг тушунчасини ўзгартмоқ, эшондан эътиқодини қайтармоқ осон эмас.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Каромат қилмоқ. 1) олдиндан айтмоқ, олдиндан билиб, башорат қилиб айтиб бермоқ. *Агар шаҳардаги қўл берган донишманд пирим келиб: -Ҳой Мадамин, бир кун эмас, бир кун амалдан ажраб, халқ олдида бўйин эгасан, — деб каромат қилса, пир бўлишига қарамай, қамчи билан роса савалардим.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) олдиндан хабар бермоқ, фикр билдирмоқ. *Худди деҳқонларнинг юрагига қўл солиб, дардини топгандай, каромат қилиб айтишини қаранг-а.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Каромат кўрсатмоқ** *с. т.* Ажабланадиган ёки қойил қоладиган иш қилмоқ, мўъжиза кўрсатмоқ. *Ўқиб, нима каромат кўрсатардингиз, болам? Жуда шаҳар олиб берармидингиз*? М. Жалолиддинова, Журъат. *-Доктор чақирайми, Полвон амаки? -Қўй, иним.. докторинг нима каромат кўрсата оларди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Соҳиби каромат** Олдиндан айтувчи, башорат қилувчи.

4 Каромат (эркаклар ва хотин-кизлар исми).

КАРОМАТЛИ *дин.* Ғойибдан хабар берувчи, олдиндан айтувчи, каромат қилувчи. *Махсум асл эшонзодалардан-ку, кимсан кароматли Эшонбобонинг фарзанди! Тил тегизиб бўлар эканми унга!* С. Анорбоев, Оқсой.

КАРОМАТЧИ Каромат қилувчи. *Ясама кароматчиларнинг иситма билан ошқозон касалини айира олмаслигини қаёқдан билсин*? «Муштум».

КАРОТИН [*лот.* carota – сабзи] Кўпроқ сабзи, тухум сариғи, сут ва ш. к. да бўладиган, деярли ҳамма ўсимлик таркибида учрайдиган сариқ-зарғалдоқ рангли модда (озиқ-овқат саноатида бўёвчи модда сифатида ишлатилади). *Одам танасида А витамини фақат бошқа бирор моддадан, чунончи, сабзавотлар, кўкатлардан ажралиб чиқадиган каротин деган моддадан ҳосил бўлади.* F. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

КАРП [*нем.* Karpa < *фр.* carpe] Чучук сувларда яшовчи, териси ялтироқ тангача билан қопланган суякли балиқ; зоғорабалиқнинг хонакилашган бир тури *..карп балиқларининг гавдаси қўполроқ, узунчоқ, ўзи читтакдек чаққон.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

КАРРА [*а.* كرّه – марта] Саноқ сонлар билан қўлланиб, ҳаракатнинг сон билдирган миқдордаги такрорини билдиради; марта. *Етилмоғи учун у сингари зот.. Баҳор юз карра гул очмоғи лозим.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Саидғози, сўзим маъқулми, дегандек яна бир карра кабинетдагиларни кўзи билан сузиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КАРРАЛИ: **каррали сон** *мат.* Маълум бир бутун сонга қолдиқсиз бўлинадиган сон.

КАРСИЛЛАМА Тишлаганда карсиллайдиган; куврак. *Карсиллама олма.* ▬ *Узумнинг ҳар бир донаси бошмалдоқдай, олтиндай сап-сариқ, карсиллама эди.* Ибохон, Улуғ кун.

КАРСИЛЛАМОҚ Карс-карс (карс-курс) товуш чиқармоқ *Саҳар пайти карсилларди тўрлама..* Миртемир. *Қуёшда тобланишини қаранг, асалга ботириб олишганмикин бу ҳусайнини. Оғзингизга солсангиз, карсиллайди.* «Саодат».

КАРС-КАРС *тақл. с.* Куврак, таранг етилган нарсаларни чайнаганда чиқадиган товушни билдиради. *Рустам эса нақ пиёладек оқ аччиқ олмани карс-карс тишлар..* А. Эшонов, Сарбон.

КАРТ I: **карт думба** Думбанинг (думба ёғининг) ўзи (бошқа нарса қўшилмаган). *Қази, карт думба палов, сиркаланган ва тузланган сабзавотлар эса қиш ойларида тановул қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

КАРТ II [*ингл.* cart] Усти очиқ (кузовсиз) кам литражли пойга автомобили.

КАРТА I [*лот.* cart, charta < *юн.* kartis – папирус барги; қоғоз] **1** Ер сатҳининг, бошқа осмон жисмлари ёки осмон гумбазининг қоғоз, тахта каби текисликка чизилган шартли тасвири; харита. *Географик карта. Маъмурий-сиёсий карта. Юлдузлар картаси.* ▬ *Олимлар карта – дунёнинг фазовий, тасвирий образидир, деб таъриф беришган.* «Фан ва турмуш». *Жонажон ўлкамиз ва нотаниш юртларни ўрганиш мақсадида карта бўйлаб қанчадан-қанча «саёҳат» қилганмиз.* «Фан ва турмуш».

2 Ҳар бири ўзига хос ранги, тасвири, холи, очкоси билан фарқланувчи тўғри тўртбурчак шаклидаги ўйин қоғозлари дастаси ва улар воситасида бўладиган ўйин; қарта. *Баъзан картани беш киши бўлиб ўйнашарди.* Ё. Ҳаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Поезд Янгийўлдан ўтмасданоқ ён-веридаги купеда кетаётган кишилар Салимхонни кўриб қолишиб, бирин-сирин кириб, купе тўлди. Карта ўйини бошланиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Бирон-бир маълумот(лар) билан тўлдириладиган бланк, варақа. *Санатория-курорт картаси.*

4 *махс.* Ичида магнитли ахборотлар ёзилган ва турли ҳисоб-китоблар учун фойдаланиладиган тўғри тўртбурчак шаклидаги гувоҳнома, ҳужжат. *Кредит картаси.*

КАРТА II [*ф.* كرت – марза, жўяк; марза билан ўралган экин майдони] Ернинг, даланинг алоҳида, тўғри тўртбурчак шаклида ажратилган бўлаги, бир бўлак дала. *Трактор бригадаси бугун Ширинбулоқ участкасидаги сўнгги карталарнинг шудгорини тамомлайди.* Й. Шамшаров, Орзигул Тўрабоева.

КАРТАБОЗ Карта ўйинига берилган, доим карта ўйновчи.

КАРТАБОЗЛИК Берилиб карта ўйнаш, карта ўйинига берилиш; карта ўйини. *Худди мана шу меҳмонхонада тонг отгунча картабозлик бўлар, ёш-ёш йигитларга кокил солиб ўйнатишарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КАРТАЛАШТИРМОҚ Ерни карталарга ажратмоқ. *Чўл ичкарисига учиб боряпмиз. Пастда карталаштирилган далалар. Ҳосил йиғиб олинган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КАРТЕЛЬ [*фр.* cartel < *итал.* cartello – қоғоз, ҳужжат] *иқт.* Фирмалар, компаниялар, банклар ва ш. к. ларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, со-

тиш бозорлари ва шарт-шароитлари, баҳолар, тўлов муддатлари, биргаликда молиялаштириш ва б. ҳақида ўзаро келишуви асосида бирлашиш шаклларидан бири. *Картеллар, синдикатлар ва трестлар энг кўп фойда олиш учун рақобатчилардан қутулишга ҳаракат қиладилар.* «Янги тарих».

КАРТЕР [*ингл.* carter] *тех.* Машина ва механизмларнинг уларни тутиб турадиган, шикастланиш, ифлосланиш ҳамда чангдан сақлайдиган, қўзғалмас металл қутича шаклидаги қисми.

КАРТЕЧЬ [*пол.* kartecza] **1** Ичи юмалоқ питра билан тўлдирилган, яқин масофадаги душманни қириш учун мўлжалланган артиллерия снаряди. *Тўпга картечь солиб отмоқ.*

2 Ов милтиғи учун мўлжалланган йирик сочма ўқ, йирик питра.

КАРТИНА [*р.* картина < *лот.* cart, charta < *юн.* kartis — папирус барги] **1** Мато, тахта ва ш. к. га бўёқлар билан ишланган рассомлик асари. *Рассом картинада миллий руҳни акс эттирувчи барча деталларга табиийлик билан ёндашган.* Газетадан.

2 Ҳаёт ҳодисалари, асар ва ш. к. нинг ўзича бир бутунликни, яхлитликни ташкил этувчи қисми, бўлаги: *Шоир мозийнинг даҳшатли картинасини тасвирлар экан..* «ЎТА». *Ҳар бир эпизод, ҳар бир картина ва деталь сюжетнинг таркибий қисмига кириши лозим.* «Ёшлик».

3 *с. т.* Кинофильм, телефильм. *Ҳордиқ кунлари шаҳардан чиқадиган автомобиль шу ерда* [*мактаб саҳнида*] *картина қўйиб берар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

КАРТИНГ [*ингл.* carting] **1** Картлар (*қ.* **карт** II) иштирокида ўтадиган спорт пойгаси (мусобақаси).

2 Шундай пойгалар ўтказиш учун махсус жиҳозланган майдонча.

КАРТОГРАММА [карта + *юн.* gramma — ҳарф, ёзув] Муайян ҳодисаларга оид статистик маълумотлар график равишда тасвирланган карта. *Аҳолининг зичлиги картограммаси.* ▬ *Ўғит нормаси тупроқнинг агрокимёвий картограммаси асосида белгиланади.* «Фан ва турмуш».

КАРТОГРАФ Картография мутахассиси, географик карталар тузувчи, чизувчи мутахассис. *Дониш Қизилқумни аввалари ҳам атрофлича ўрганган.. У ўз замонасининг ажойиб географи ва картографи ҳам эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

КАРТОГРАФИЯ [карта + *юн.* grapho — ёзаман] Географик карталар тузиш ҳақидаги фан ва шундай карталар тузишнинг ўзи. *Илм-фаннинг турли соҳаларида картография тадқиқоти натижаларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда.* «Фан ва турмуш».

КАРТОН [*итал.* cartone < *лот.* charta — қоғоз] Махсус ишланган қалин, қаттиқ қоғоз. *Картон муқова. Картон папка.* ▬ *Уячани фанердан, картондан икковимиз ясардиг-у, аммо инни дарахтга ўзим осиб тушардим.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. *..энг йирик целлюлоза заводи ва картон фабрикаси фойдаланишга топширилди.* Газетадан.

КАРТОТЕКА [*юн.* kartis — папирус барги + theke — омбор; қути] **1** Маълум бир нарсага, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар мажмуи. *Кутубхона картотекаси. Луғат картотекаси.* ▬ *У* [*Баҳор*] *ўз ўрнига тайин бўладиган кишига қулайлик туғдириш мақсадида картотекани тартибга соларди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

2 Шундай карточкалар сақланадиган қутилар, яшиклар ва улар жойлашган хона, бўлим. *Картотека фонди.* ▬ *Столда кўк, қизил ёзувли карточкалар билан тўлатилган беш-олтита узунчоқ қутича—картотекалар.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

КАРТОЧКА [*р.* карточка — кичик карта] **1** Қалин қоғоз ёки картондан тўрт бурчак қилиб кесилган, бирор маълумот, хабар ва ш. к. ёзиб қўйиладиган варақча. *Карточкага мисол олмоқ.* ▬ *..жанг-мудофаа карточкасини чизиб-ёзиб, ҳаммамизни таништирди..* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Кичкина картон қоғоздан қилинган билет шаклидаги гувоҳнома, ҳужжат. *Визит карточкаси.* ▬ *Муродова.. партия билети ва кандидатлик карточкаларини топшираётган эди.* И. Раҳим, Ихлос.

3 *тар.* Озиқ-овқат ёки бошқа нарсалар тақсимоти нормалаштирилган вақтда шу нарсаларни олиш ҳуқуқини берадиган, кесиб олинадиган талони бор махсус ҳужжат. *Қирқ учинчи йилда озиқ-овқат карточкалари тарқатадиган идорада унинг бир тоғаси ишлар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 *махс. айн.* **карта 4.** *Карточкадан фойдаланувчилар бир қанча қулайликларга эга бўладилар.*

Кредит карточкаси Банк томонидан ўз омонатчиларига уларнинг шахсий ҳисобида сақланаётган маблағларидан нақд пулсиз товар сотиб олиши ёки турли хизматлардан фойдаланиши учун бериладиган ҳужжат-гувоҳнома. *Кредит карточкалари чиқарадиган ҳар бир банк, ҳар бир компания уларни олиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини ўзлари белгилайдилар.* Газетадан.

КАРТОШКА [*р.* < *пол.* kartofla < *нем.* Kartoffel < *итал.* tartufolo – илдизмевали қўзиқорин] Илдизмевали, бир йиллик сабзавот ўсимликларидан бири ва унинг илдизида етишадиган, овқат учун ишлатиладиган ҳосили. *Картошка пояси. Картошка экмоқ.* ▬ *Экинлар жуда соз. Айниқса, картошка билан сабзи мўл ҳосил беради.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Мастура:*] *Ҳай, Тожи! Шўрванг нима бўлди?* – [*Тожи:*] *Картошкани солдим.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

КАРТОШКАГУЛ Илдизида картошкасимон тугунаги бўладиган узун пояли, йирик, ранг-баранг гулли кўп йиллик манзарали ўсимлик. *Уларнинг уйидаги гулларнинг саноғи йўқ: атиргул, картошкагул, қашқаргул..* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КАРТОШКАКОР Картошка етиштириш билан шуғулланувчи. *Картошкакорлар ўз маҳсулотларини кеч кузгача сотадилар.* Газетадан.

КАРТОШКАЧИЛИК Картошка етиштириш иши; қишлоқ хўжалигининг картошка етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Умуман, картошкачиликда калий ўғитларига алоҳида эътибор берилади.* «Фан ва турмуш».

КАРТОШКАҚОВОҚ Қовоқнинг ранги кул рангига мойил, ғилдираксимон, этли (гўштдор), мазали, овқат учун ишлатиладиган тури. *Қовоқнинг хиллари кўп.. картошкақовоқ, ойимқовоқ, қашқарқовоқ ва ҳоказо.* К. Маҳмудов, Қовоқ тўғрисида.

КАРТРИЖ [*ингл.* cartridge] **1** *махс.* Нусха кўчириш ва кўпайтириш техникасида (мас., принтерларда) қўлланадиган, бўёвчи тасма ва бўёвчи моддани жойлаштириш ва ҳимоя қилишга мўлжалланган идиш, контейнер. *Рангли картриж. Картрижни тўлдирмоқ.*

2 *махс.* Компьютерга жойлаштириладиган, муайян маълумотлар ва дастурлар тўпламини хотирасида сақлайдиган мослама.

КАРУСЕЛЬ [*итал.* carosello] Ўтирадиган жойлари от, айиқ, шер, қайиқ ва ш. к. шаклларда ясалган, доира бўйлаб учишга мўлжалланган ва вертикал ўқ атрофида айланадиган қурилма. *Пастликда.. катта карусель.. Майсазор тўла бола-бақра, қий-чув.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

КАРЧ *айн.* **карж**. *Қовун сўйилди. Смирнов худди асалнинг рангига ва таъмига ўхшаш бир карчни оғзига солди-ю, мазасига қойил бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КАРЧЛАМОҚ *айн.* **каржламоқ.**

КАРЬЕР [*фр.* carriere < *лот.* quadraria – тош майдалайдиган жой] Унча чуқурликда бўлмаган фойдали қазилмаларни (кўмир, қум ва ш. к.) очиқ усулда қазиб олиш корхонаси; шундай қазиб олиш натижасида ҳосил бўлган чуқурлик. *Оҳангарон ҳавзасидаги жами кўмирнинг 80 проценти карьердан қазиб олинмоқда.* Газетадан.

КАРҚУЛОҚ Эшитиш қобилияти йўқ; кар. *Мен ундан* [*бойдан*] *тўғри ҳисоблашни илтимос қилиб ялинардим, у карқулоқ ва соқовдек ғўдайиб тураверарди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

КАРҚУР Товуқсимонлар туркумига мансуб катта ўрмон қуши.

КАС [*ф.* کس – кимса, шахс] *шв.* Одам, киши. *Дўст йиғлатиб, душманимни кулдирма. Бу сиримни ҳеч бир касга билдирма.* «Зулфизар билан Авазхон».

КАСАБА [*а.* کسبه – «косиб» сўзининг кўпл.; майда савдогар] **1** *айн.* **касаба уюшмаси**. *Биринчи июль.. кечқурун соат 6. 00да касабалар боғида.. тантанали Шарқ кечаси ясалади.* Газетадан.

Касаба союзи *қ.* **касаба уюшмаси**. *..болалар боғчалари, яслилари, болалар оромгоҳлари шохобчаларини кенгайтириш ва уларнинг ишларини яхшилаш – касаба союзларининг муқаддас бурчидир.* Газетадан. **Касаба уюшмаси** Ишчи ва хизматчиларни меҳнат соҳалари (касблари) бўйича бирлаштирувчи ва улар манфаатини ҳимоя қилувчи оммавий ташкилот.

2 (касаба, касава) *қ.* **косиб, ҳамкасб.** *Ўзингиз ҳам шундай соз, шундай қулинг ўргилсин бўлибсизки, агар юзингизда етмиш қават парда бўлса-ю, бир қаватини очиб қўйсангиз ҳам, ҳусну жамолингизга ўттиз икки касава чироқ ёқмасдан иш қилаверади-я!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

КАСАЛ [*а.* كسل – дангасалик; дангаса, ишёқмас] **1** *от* Организм меъёрий ҳолатини, фаолиятини бузувчи нарса; касаллик, дард. *Сил касали. Рак касали. Тутқаноқ касали. Касалга чалинмоқ.* ▬ [*Шокир ота:*] *Бурунги замонларда Ибн Сино, Луқмон Ҳаким ўтган. Улар ҳар бир касалга даво топган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Онаси ўзининг касалини ҳам унутиб, унинг бошида парвона бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёш бўлганидан касалини ўзи сезмаса керак. Касали ўқтин-ўқтин бир кўриниш бериб қўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *сфт.* Организмининг меъёрий ҳолати, фаолияти бузилган, касалликка йўлиққан; бетоб. *Касал одам. Касал мол.* ▬ *Хотиржам ишласин, деб касал онасини бировнинг қўлига ташлагим келмади.* С. Зуннунова, Олов. *Одам организмининг касал ёки шикастланган аъзоларини алмаштириш учун сунъий «эҳтиёт қисмлар» яратиш ғояси янгилик эмас.* «Фан ва турмуш».

3 *от* Организмининг меъёрий ҳолати, фаолияти бузилган шахс, касалликка йўлиққан шахс; бемор. [*Шокир ота:*] *Ибн Синога касалнинг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Икки қаватли мактаб биноси шошилинч суратда фронт ёқасидан келтирилган ярадор, касаллар учун бўшатилмоқда.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

4 *от кўчма* Нарса ёки унинг қисмидаги носоғ, бузуқ ҳолат; носозлик, иллат. *Ҳамма касал шундаки, сиз халқ кучига ишонмайсиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *У* [*Эркин*] *машинага бир қарашдаёқ касалини топади ва давосини қилади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

5 *от кўчма* Одатга айланган иш, хатти-ҳаракат. -*Саъвани яхши кўрасизми? -Отадан қолган касал бу, – кулиб жавоб берди Йўлдошев.* «Ёшлик». *Демак, ёлғончилик касалига мубтало бўлган кишини ростгўй одамнинг қони билан даволаса бўлади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Эрининг тўсатдан қайсарлик касали тутди.* «Тафаккур».

6 *от кўчма* Умуман, бирор нарса истаги, шунга иштиёқ, интилиш; дард. *Ўзинг айт, агар менга шу касалингни бир оғиз билдирсанг, мен қайнатангга хат ёзмасми эдим..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Оилада ишнинг жуда ишкали – Холпошшанинг кийим-кечак касали.* «Муштум».

Касалдан турмоқ (*ёки* **бош кўтармоқ**). Касалдан фориғ бўлмоқ; тузалмоқ. *Касалдан турган ҳар қандай одамда бўладиган алланечук бир руҳий енгиллик унинг ҳам қалбини қувончга тўлдирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Улар яқиндагина касалдан бош кўтарган дардманд кишиларга ўхшардилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Чўнтак** (*ёки* **ҳамён, кисса**) **касал** Чўнтакда пул йўқ, пул етарли эмас; ҳамён қуруқ. *Аммо Бухорода ўқимоғим учун ҳамёним касал эди.* М. Муҳамаджонов, Турмуш уринишлари. *Қаландарга бориб нетаман? Неча кундирки, киссам касал.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КАСАЛВАНД *с. т.* Касалманд. [*Наби:*] *Гапиринг, тақсир, менинг ўғлим нима гуноҳ қилди? Ўзи мардикорликдан яқинда келди, унинг устига касалванд.* А. Раҳмат, Пьесалар. *Касалванд, ожиз бир маҳбусни арқонга боғлаб, Солижон билан Бекжонбой тортиб олдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КАСАЛЛАНМОҚ Бирор касал билан оғримоқ, касалга чалинмоқ. *Мутрибнинг касалланиб, Питнакдан қайтиб келганини Аваз Рўзимбойдан эшитди.* С. Сиёев, Аваз. *Аммо бу орада қора тўқлиси касалланиб, вақтинча Тўнгиз қояни унутди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

КАСАЛЛИК 1 *айн.* **касал 1**. *Зотилжам касаллиги. Юқумли касаллик.* ▬ *Самарқандда Бобурни тилдан қолдирган касаллик – ғоят кучли бир руҳий ларзанинг оқибати эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Аввалдан унинг атрофида ҳар хил касалликлар: терлама, қора безгак.. кўпайиб, аҳолининг тинкасини қуритган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Организм меъёрий фаолиятининг, саломатликнинг бузилиши; касал ҳолат, дард, хасталик. *Шунча хорлик ва хўрлик етмагандай.. отаси оғир касалликдан вафот этди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАСАЛМАНД [*а.*+ *ф.* كسلمند] Тез-тез касал бўлиб турадиган; дардчил. *Азалдан касалманд Башорат хола эрининг ўлимидан кейин яна ҳам қийналиб қолди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. -*Поччам элликдан ошган, новча, касалманд, рангпар, – дейди Мусавой.* Ойбек, Болалик.

КАСАЛНАМО [*а.*+ *ф.* كسلنما] Касалга ўхшаб кўринадиган. *Ўрта бўйли, тўла, ле-*

кин кенг юзининг гўштлари сарғайиб солқиб тушган, эллик саккиз ёшларда бўлган касалнамо хотин аста-аста юриб келаверди. Ойбек, Танланган асарлар.

КАСАЛХОНА Касалларни мунтазам кузатиш ва даволаш учун жойлаштириладиган муассаса; шифохона. *Мастура Алиева саккиз ойдан бери палатасидан чиқмай ётган оғир хаста, уни касалхонада ҳамма билар, кўп киши кириб кўрган экан.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

КАСАНА [*ф.* کسانه, کسنه – бирор кимсага тегишли, бировники] Ёлланган ҳунарманд-косиб томонидан маълум корхоналар буюртмаси асосида уйда тайёрланадиган нарса ва шу тартибда ишлаш.

КАСАНАЧИ Ёлланиб уйида ишлайдиган ҳунарманд-косиб. *..касаначилар (уйда ишловчилар) меҳнати муттасил рағбатлантирилмоқда.* Газетадан. *Корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади.* Газетадан.

КАСАНАЧИЛИК Касана асосида ишлаш, касана маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланиш; касаначи меҳнати. *Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисобланади..* Газетадан.

КАСБ [*а.* كسب – бирор нарсани ўрганиш, эгаллаш, фойда; ҳунар, машғулот] **1** Ишфаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; ҳунар. *Бу киши ўзлари ҳосилот, касблари агроном, кечки мактабда муаллимлик ҳам қиладилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳаётда шундай одамлар бўладики, улар бутун умрларини фақат бир ишга, бирон касбга бағишлайдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Умуман, одат қилинган иш; одат. *Молнинг тилини билиш ҳам ўзига яраша касб экан.* Ў. Умарбеков, Шонли авлод. *Фойдахўрлик – тан-суягингизга сингиб кетган касбингиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Хотинини қўшиб, амал олиш – у сизнинг касбингиз, мингбоши!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Касб этмоқ Эга бўлмоқ, эгалламоқ; акс этмоқ. *Аҳамият касб этмоқ. Дарахтлар ойдинда ажойиб бир манзара касб этмоқда.* ▬ *Фавқулодда даҳшат касб этган унинг [Отабекнинг] кўзлари қаршисида қўрбошининг гуноҳкор кўзлари чидай олмадилар-да, ерга боқдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсумбиби йўрғалай кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Касб қилмоқ** Бирор иш-машғулотни одат қилмоқ, доимий иш-машғулотга айлантирмоқ. *Махдум бир неча ҳафтадан бери бу «ҳунар»ни ўзига касб қилиб олган, Анвар ариза ва кенгашдан бир пул ишламаган кунларда, у неча тангаларни йўлакда ўтириб топар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *У [Қурбонов] бир неча йилдан буён Ашхабод, Боку, Тбилиси шаҳарларига «сафар» қилиб, ҳамён тўлдиришни касб қилиб олди.* «Муштум».

КАСБДОШ Бир хил касбли, бир касбда ишловчи. *Биз асарларимизни элга тақдим қилишдан аввал касбдош дўстларимизга манзур қилмоғимиз керак.* Э. Воҳидов, Масъулият туйғуси. *Ошна-оғайнилар, қариндош-уруғлар, касбдошлар бир-бирлариникига борди-келди қилиб туришади.* Э. Назаров, Ахлоқ ва одоб.

КАСБИЙ Касб-ҳунарга оид. *Касбий манфаат. Касбий касаллик.* ▬ *Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга жамулжам ёндашишни тақозо қилмоқда.* Газетадан.

КАСБ-КОР Умуман, касб, ҳунар; машғулот, иш. *Эндиликда.. бу хотинлардан ҳеч бири қилаётган ишига, касб-корига, сабаби тирикчилик, деб қарамайди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Мақсади, маслаги, касб-кори турлича бўлган кишиларнинг ҳамжиҳатликда яшаши мушкул эди.* М. Жўра, Ноширнома.

КАСИР-КАСИР *айн.* **касир-кусур.**

КАСИР-КУСУР *тақл. с.* Қуруқ ва мўрт нарсаларнинг синишидан, парчаланишидан чиқадиган товушни билдиради. *Касир-кусур беда чайнаб турган отлар Қўшоққа парвосиз қараб қўйишди.* Ҳ. Шамс, Душман.

КАСИРЛАМОҚ Касир-кусур овоз чиқармоқ. *Қаттиқ шамолда дарахтнинг бир шохи касирлаб синди.*

КАСКА [*фр.* casque < *исп.* casco – бош суяги; дубулға] Ҳарбий хизматчи, ўт ўчирувчи, қурувчи ва ш. к. ларнинг металлдан ёки пластмассадан ишланган, турли зарбалардан сақловчи бош кийими. *Пулемёт ниҳоят танаффус қилди. Эргаш каскасини бостириб кийиб, чуқурдан эмаклаб чиқди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Қоровулхонада уларга ҳеч ким индамади, йўлакда қўлларига биттадан карбид фонарь олиб, бошларига каска*

кийишди-да, конга кириб кетишди. А. Мухтор, Чинор. *Тоғ пармаловчи йигитлар бошларига пўлат каска кийишиб, саф тортиб, тош қўпоришяпти.* С. Қодиров, Норак нурхонаси.

КАСКАД [*фр.* cascade < *итал.* cascata] **1** Бир неча поғоналарга урилиб тушадиган табиий ёки сунъий шаршара.

2 Циркда акробатларнинг ҳазилакам, кулгили йиқилишидан иборат номери, кўриниши.

3 *тех.* Ўзаро боғланган бир қанча иншоотлар, механизмлар, қурилмалар туркуми. *Трест коллективи Жиззах насос станциялари каскадида барча ишларни бажармоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Гидроэлектростанциялар каскади Бир дарё оқимида бир-биридан маълум масофада жойлашган, умумий сув-хўжалик режими билан ўзаро боғланган бир неча гидроэлектростанция. *Чирчиқ ва Бўзсув гидроэлектростанция каскади бир дарёдаги 16 та электростанциядан иборат.* Газетадан. *Ҳозир Вахш каскадининг тўртинчи босқичи бўлган Норак ГЭСи қурилиши авж олган.* «Фан ва турмуш».

КАСКАДЁР [*фр.* cascadeur] **1** Циркда кулгили акробатик йиқилишларни ижро этувчи актёр.

2 Кинофильмларда асосий актёр ўрнига ниҳоятда мураккаб, ҳаёти учун хавфли ҳаракатларни (каскадларни) бажарувчи, муайян махсус тайёргарликка эга бўлган шахс. *..фильмни суратга олиш пайтида гаров боғлаб, от чопишда каскадёрларни ҳам доғда қолдирган.* Газетадан.

КАСКАДЛИ Каскаддан иборат, каскадни ташкил этувчи. *Чет эллик олимлар қимматбаҳо яримўтказгич фотоэлементларни унумли ишлатиш учун каскадли электр манбаларидан фойдаланишни таклиф этмоқдалар.* «Фан ва турмуш».

КАСКАЛИ Каскаси бор, каска кийган. *..қора каскали солдатлар яна қайтиб ўтишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КАСОД [*а.* كساد – товарга бўлган талабнинг пасайиши; савдо-сотиқдаги сустлик] **1** Талаб ёки харидор йўқлиги туфайли савдо-сотиқ, касб-ҳунар ва ш. к. нинг тўхтаб қолиш, юришмаслик, товарнинг ўтмаслик ҳолати. *Нима қилиб зерикиб ўтирибсиз, савдо касодми?* Ойбек, Болалик. *Касб-кори касод бўлган уста Замоннинг тирикчилиги яна оғирлашиб қолди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Йигитали, магазинда КООП [кооператив] уни кўпайиб кетгач, тегирмони касод бўлиб, уйда ўтириб қолган отаси ҳозир пенсиядалигини эшитган эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Бандаи, ёраб, Муқимийдек бўлиб хору касод, Суду савдодин қолиб, бозоридин айрилмасин.* Муқимий.

Бозор касод Бозорда молларнинг ёки баъзи молларнинг сотилмаётганлик ҳолатини, ўтмаётган (кетмаётган)лигини билдиради. *..Бозор касод, мол-туёқнинг нархи пастлаб кетган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бозорлар касод бўлиб, ҳеч ким узангини ўз нархига ҳам сўрамай қўйди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Касод мол** Сотилмай (ўтмай) ётган мол. *Шу ойда* [*Рамазон ойида*] *барча дўкондорлар то саҳаргача савдо-сотиқ қилар.. касод молларини кечалари пуллар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *шв.* Касофат, зарар. *Уйқунинг касоди кўпдир кишига, Бувишим, ғафлатдан кўтар бошингни!* «Равшан».

КАСОФАТ [*а.* كثافت – қуюқлик, зичлик; дағаллик, ғализлик; бефаҳмлик] **1** *сфт.* Ёмон оқибатга олиб борадиган, бахтсизлик (зиён, заҳмат) келтирадиган. *Касофат иш.* ▬ *Шира кўп касофат нарса, ғўзанинг ёш баргларига ёпишдими – уни бужмайтириб қўяди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кайфим бор эди, ҳаммасига касофат арақ сабабчи..* Газетадан.

2 *от* Ёмон оқибат, ёмон, нохуш таъсир. *Яхшининг – шарофати, ёмоннинг – касофати.* Матал. ▬ *Очлик касофатидан онабола дунёдан кетди.* С. Исмоилзода, Темур. *Мана шундай хилофи шаръий ишларингизнинг касофатидан бундай кунларга тушдингиз..* С. Айний, Қуллар.

3 Шундай белги, таъсирга эга бўлган шахс ёки нарсага нисбатан қўлланади; шахс ёки нарсани шундай белги билан қайд этади. *Йўқол, дейман, йўқол, наҳс! Йўқол кўзимдан, касофат!* С. Зуннунова, Олов. *Бунинг устига нўхтаси ҳам йўқ эди касофатнинг* [*новвоснинг*]. С. Нуров, Нарвон. *Сен замонни тушунасанми, ўйлаб қара, агар шу хом қовоқда миянг бўлса, йиғлама, касофат.* Ойбек, Танланган асарлар.

Касофатига қолмоқ Ўзганинг ёмон таъсири билан нохуш оқибат (ҳолат)га ду-

чор бўлмоқ. *Бу орада қизим шўрлик унинг касофатига қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАСОФАТЛИ Касофати бор, касри, зарари тегадиган. *Касофатли қора ўтмишда Сожида хола тўнғич ўғлидан ана шундай қилиб ажралган эди.* Ғ. Ғулом, Тўнғич ўғил.

КАСР I [*а.* كسر – синиқ, ушоқ, парча; шикасталик] *мат.* **1** Бирликнинг қисмларидан ташкил топган сон. *Оддий каср. Ўнли каср. Тўғри каср. Аралаш каср. Каср сон.*

Каср қолдиқ Бирга етмайдиган, бирдан оз бўлган қолдиқ.

2 *эск. айн.* **қолдиқ 4.** *Ўн олтини учга бўлсак, битта каср қолади.*

КАСР II [*а.* كسر – бузиш, парчалаш] Ўзганинг ёки бирон нарсанинг айби, сабаби билан бўладиган ёмон таъсир, ярамас оқибат; касофат. *Бирнинг касри – мингга, мингнинг касри – туманга.* Мақол. ▬ *Фарҳоднинг тоғ қазишини Алишер Навоий тасвирлаб байт ёзган эди, шуни келтира олмадим. Ўқимаганликнинг касри шу-да.* Ойдин, Ширин келди. *..менинг касримга фалокатга йўлиқишларини истамайман.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

Касрига қолмоқ Касри туфайли ёмон оқибат (ҳолат)га дучор бўлмоқ. *-Битта аҳмоқнинг касрига ҳамма қолади, – Васила Назаровна ўрнидан туриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КАСРА [*а.* كسره – синиш, синдириш; мағлубиятга учраш] Араб алифбосида ундош ҳарфларнинг остига қўйилиб, ундан кейин қисқа «и» унлиси ўқилишини билдирувчи белги (форсчада «зер» деб аталади).

КАСРАТКИ *шв.* Калтакесак. *Ажалли касратки тегар илонга, Ҳазиллашма, полвон, мендай султонга.* «Алпомиш». *Ургин, деб юборибсан қирқин бекларни, Қирқ касраткинг бир илонни ютолмас.* «Зулфизар билан Авазхон».

КАСРЛИ *мат.* Бирга етмаган миқдорли (қолдиқли), ёнида касри бор. *Касрли сон.*

КАССА [*итал.* cassa < *лот.* capsa – бирор нарса сақланадиган идиш; қути] **1** Пул, қимматбаҳо қоғозлар қабул қилинадиган ва сақланадиган пўлат сандиқ, қути, жой ва ш. к. *Пахта плани ошса, Тўла турар кассаси.* «Қўшиқлар». *База кассаси битмас-туганмас чашма эмаски, ўз-ўзидан жарақ-жарақ ақча қайнаб чиқаверса.* Газетадан.

2 Муассаса, корхоналарнинг пул қабул қилиш, пул бериш, билет сотиш ва ш. к. билан шуғулланувчи бўлими. *Қиз ичкарига кириб кетгач, афтидан кассага пул топширгани ўтди шекилли, яна ўзимга кела бошладим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Кинотеатр кассаси олдида ёмғирдан қочиб навбат кутаётганлар кўпайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Пул билан иш юритувчи, муомала қилувчи муассаса ёки ташкилотларнинг номи. *Омонат касса. Ўзаро ёрдам кассаси.*

4 Қабул қилиб олинган сумма (чеклар) кўрсатилган талонлар босиб чиқариладиган (акс эттириладиган) қурилма, аппарат ва шу қурилма жойлашган хона.

5 Муассаса, корхона ва ш. к. даги бор пул. *Кассани текширмоқ.* ▬ *Сатторов кассани ҳисоблаб чиққач, товуқ фермасига ўтди.* «Муштум».

КАССАЦИЯ [*лот.* cassatio – бекор қилиш, йўқ қилиш] **1** *ҳуқ.* Қонун ва суд ишларини юритиш қоидалари бузилганлиги сабабли юқори суд органи томонидан қуйи суд органи чиқарган, ҳали кучга кирмаган суд қарори, ҳукмининг қайта кўриб чиқилиши, бекор қилиниши. *Кассация муддати.*

2 Қонуний кучга кирмаган суд қарорини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишни сўраб мурожаат қилиш. *Кассация шикояти.*

КАССЕТА [*фр.* cassette – яшикча, қутича] Нарса, деталь, материаллар, фотоплёнка ва киноплёнкалар энг қулай шароитларда сақланадиган, ёруғлик ўтказмайдиган, сурма қопқоқли, ўзаро алмаштириладиган махсус қутича. *Фотографик кассета. Видеомагнитофон кассетаси.* ▬ *..овоз ёзиш салонида ўзлари билан олиб келган ёки шу ердан сотиб олинган кассеталарга ўзларига манзур бўлган куй ва қўшиқларни ёзиб олишлари мумкин.* Газетадан.

КАССИР [*лот.* cassare – бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ] **1** Пул ва қимматбаҳо қоғозларни қабул қилиш, бериш, билетлар сотиш ва ш. к. ишларни бажарувчи ходим. *Бу сафар банк вақтида пул берибди. Кассир ойлик тарқатяпти.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Кассир.. бригадир, агроном ва бошқа ходимларнинг аксарияти хотин-қизлардан бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Касса аппарати (*қ.* **касса 4**)да ишловчи ходим, оператор.

КАССИРЛИК Кассир иши, касби. *Ўғил болалар сартарошлик ва туфли ямашни ўргансалар, қизларимиз кассирликни машқ қиладилар.* С. Аҳмад, Сайланма.

КАСТА [*порт.* casta – насл, авлод] Ҳиндистон ва баъзи Шарқ мамлакатларида ўз аъзоларининг насаби, ҳуқуқи, урф-одатлари ва касбига қараб поғонавий тарзда алоҳида табақага ажралган ижтимоий гуруҳ, тоифа. *Коҳинлар кастаси. Каста урф-одатлари.* ▬ *Ҳиндистонда турли тоифалар, касталар, чунончи, коҳинлар, аскарлар ва деҳқон касталари бор эди.* «Янги тарих». *Беруний.. Ҳиндистоннинг ижтимоий тузумлари ҳақида сўзлайди ва каста (ижтимоий гуруҳ) системасига умумий характеристика беради.* Ғ. Ғулом, Тарихий дўстлик.

КАСТОР [*юн.* kastor – сув қундузи, бобр]: **кастор мойи** *айн.* **касторка**.

КАСТОРКА [*лот.* castoreum – бобр безларидан олинган мойсимон суюқлик < *юн.* kastor] Канакунжутдан олинадиган мой, канакунжут мойи (сурги дори сифатида ишлатилади). *Касторкага ўхшаган дориларни киши қийналиб ичади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАСТРЮЛЬ(КА) [*нем.* Kasserolle < *фр.* casserolle – дастали това] Одатда, цилиндр шаклида бўладиган, икки банди, қулоғи ва қопқоғи бор, асосан, овқат пишириладиган ёки сақланадиган металл идиш. *Шундай деб.. кастрюлни икки қулоғидан кўтариб, ётоқхонага кириб кета бошлади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

КАТ [*ф.* کت – тахт; кенг ёғоч курси (ухлаш ёки ўтириш учун)] *шв.* Кенг ёғоч каравот. *-Келинг, келинг, Тўрғай, катга чиқинг, – деди кампир мулозамат қилиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кат устига дастурхон ёзилиб, бир мистовоқ нон билан пиёлада қиём қўйилган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Сув бўйига қўйилган ёғоч катда ўн чоқли киши Айний асарлари устида қизғин баҳс юритади.* Н. Аминов, Устод табассуми.

КАТАЙСА [*р.* кататься – кезмоқ, сайр қилмоқ, учмоқ] *с. т.* (асосан болалар тилида ва уларга нисбатан қўлланади). Арава, велосипед, чана ва ш. к. да учиш, кезиш, сайр қилиш. *Извошда катайса қилиш нуқул роҳат..* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир катайса қилмайсанми? Айтсам, ракетам ҳозироқ сени юлдузингга олиб боради.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

КАТАК 1 Парранда ёки айрим (асосан майда) жониворлар туриши учун махсус ишланган қурилма; хона, уйча. *Дилфуза айвондан сакраб тушди-да, товуқ катаги ёнидаги нимқоронғи ошхонага кириб, токчадаги узун шишани топди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бўрон ўзи топширган кийик боласини сим катаклардан қидира кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Бир сатҳ (юза)даги кичик-кичик бўлмалар, уялар, тешикларнинг бири. *Ари уясининг катаги.* ▬ *У вестибюлга кириб, ранг-баранг эълонлар осиғлиқ доска ёнидан ўтаётганда, чапга, ари уясидай сертокча почта катагига қаради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Нарса юзасига ишланган, туширилган тўртбурчак; шундай тўртбурчакларнинг бири. *Шахмат катаги.* ▬ *Азимов қора фарзинни қўлида бир оз ушлаб туриб, шахматнинг оқ катагига тақиллатиб урди-да, «шах» деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Юзасида шундай катаклар бўлган; катакли. *Катак дафтар.* ▬ *Ҳақиқатан ҳам хат катак дафтарнинг бир варағига ёзилган бўлиб, иккала бетида ҳам очиқ жой йўқ эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бошига Пўлатжон совға қилиб келтирган кўк катак рўмолчани ёш жувонлардай ихчам танғиган ҳолда айвон яқинига келди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Бурун катаги Буруннинг ташқи тешикларидан ҳар бири. *[Шокир отанинг] Қайрилиб тушган, катаклари кенг, бесўнақай қайроқ бурни учида тер томчилари ялтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАТАКЧА Кичик катак. *Шипи шарқча нақшдор уй.. Токчалар қадимча – ганчдан ишланган қат-қат катакчалардан иборат.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАТАЛАК Катакдай кичик, кўримсиз ҳовли, уй, хона. *Унинг кўз олдида болалик йиллари гавдаланди. Шаҳар чеккасидаги тор, каталак ҳовли..* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Кошки, хона каттароқ бўлса, бир каталакки, йўталганга ҳам зириллайди.* «Ёшлик». *Каталак дўкончада бобом, икки тоғам, тўртта халфа маҳси тикар эди.* Ойбек, Болалик.

КАТАЛИЗ [*юн.* katalysis – бузилиш, емирилиш] *ким.* Муайян моддалар (катализаторлар) иштироки туфайли кимёвий реакциянинг қўзғалиши ёки кимёвий реакция тезлигининг ўзгариши.

КАТАЛИЗАТОР *ким.* Кимёвий реакцияни қўзғатадиган ёки унинг тезлигини ўзгартирадиган, аммо ўзи ўзгармай қоладиган модда.

КАТАЛОГ [*юн.* katalogos – рўйхат] Бир турдаги нарсаларнинг (китоб, қўлёзма, музей экспонатлари ва ш. к. нинг) маълум алифбо тартибида тузилган рўйхати. *Кутубхона каталоги. Техникага доир адабиётлар каталоги. Юлдузлар каталоги.*

КАТАПУЛЬТА [*лот.* catapulta < *юн.* katapeltes – тош, ядро ва ш. к. отадиган машина] **1** Самолёт ва космик кема аварияга учраганда, ундан учувчи ёки космонавтни ўриндиғи билан ажратиб, итқитиб чиқариб юборадиган мослама.

2 Кемадан, кичик аэродромлардан учаётган самолётга бошланғич тезлик бериш учун қурилган механик мослама.

КАТАР [*юн.* katarrhos – оқиш, оқиб тушиш] Бирор аъзо шиллиқ пардасининг яллиғланиши. *Томоқ катари. Ошқозон катари.* ▬ *Йўғон ичак катари – колитда эса оқсилли овқатни танлаб бериш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАТАРАКТА [*юн.* katarrhaktes – юқоридан тушиб турадиган; шаршара] Қарилик ёки баъзи касалликлар оқибатида кўз қорачиғи орқасидаги ойнасимон қисмнинг (кўз гавҳарининг) хиралашуви (бунинг оқибатида кўз яхши кўрмайдиган ёки бутунлай кўрмайдиган бўлиб қолади).

КАТАХРЕЗА [*юн.* katachresis – суиистеъмол қилиш; нотўғри қўллаш] Қарама-қарши тушунчаларни боғлаш, сўзни ўз асл (этимологик) маъносига мувофиқ бўлмаган ҳолда қўллаш. *Қизил сиёҳ* [*сиёҳ* сўзи аслида «қора» маъносини билдиради].

КАТЕГОРИЯ [*юн.* kategoria – айблаш, таъна қилиш] **1** *флс.* Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятлари ва алоқаларини ифодаловчи умумий тушунча. *Замон категорияси. Сабабият категорияси.*

2 Муайян белгиларининг умумийлиги билан бирлашган нарса, ҳодиса, шахслар тури, туркуми, гуруҳи; даража. *Аммо экспериментал синфларда қийинчиликларга дуч келаётган болалар категорияси ҳам бор.* Газетадан. *Уларга* [*термчиларга*] *бажарган иши учун турли категориялар билан устама ҳақ тўланади.* Газетадан.

3 Илмий терминологияда: предмет турларини ёки уларнинг умумий белгиларини билдирувчи тушунча. *Грамматик категориялар. От категорияси. Эгалик категорияси.*

КАТЕГОРИЯЛИ Бирор категория, даража, разрядга эга. *Биринчи категорияли шахматчи.*

КАТЕР [*ингл.* cutter – тўлқинни кесувчи] Йўловчилар, сайёҳлар, қутқарувчиларни, турли хил юклар ва жанг қуролларини ташиш, бошқа кемаларни шатакка олиш, қирғоқни муҳофаза қилиш, божхона хизмати ва б. мақсадлар учун фойдаланиладиган, унча катта бўлмаган ёрдамчи ёки жанговар кема. *Соқчи катер. Торпедалар ташувчи катер.* ▬.. *двигателининг турига кўра, моторли, газ-турбинали, елкан-эшкакли катерлар бор.* «ЎзМЭ». *Қоп-қора сув юзини.. жимир-жимир ёритиб, биз томонга бир катер жон-жаҳди билан келар эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Юздан ортиқ катер.. портга кираверишда Америка кемаларининг йўлини тўсди.* Газетадан.

КАТЕТ [*юн.* kathetos – шоқул, тик туширилган] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакнинг тўғри бурчак ҳосил қилган томонлари, томонларидан бири.

КАТЕТЕР [*юн.* katheter – тушириладиган нарса; найча] Танадаги ковак томирлар, нафас ва сийдик йўллари ва б. ларга киритиладиган, уларни тозалаш, ювиш каби мақсадларда ишлатиладиган найсимон тиббий асбоб.

КАТМОН [*а.* كتمان – яшириш, беркитиш] *шв.* Кармон (кармонча). *Ойчечак тангаларни гулдор катмонига солди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Шаҳзодахон бир нозик шох ташлаб.. шоҳи атлас кўрпаларнинг қатидан катта бир катмонни олиб келиб, Олчинбекка икки қўллаб узатди.* К. Яшин, Ҳамза.

КАТОД [*юн.* kathod – пастга йўналиш, қайтиш] *физ.* Манфий зарядланган электрод; *зид.* **анод.**

КАТО́ЛИК *от.* Католицизм мазҳабидаги, католицизмга эътиқод қилувчи киши.

КАТОЛИ́К *сфт.* Католицизмга оид; католицизм мазҳабидаги. *Католик аёл.*

КАТОЛИЦИЗМ [*юн.* katholikos – умумжаҳон, умумий] Христиан динининг асосий оқим (мазҳаб)ларидан бири (Рим папаси бошқаради).

КАТОРГА [*юн.* katergon – галера, эшкак-елканли ҳарбий кема] Чор Россиясида ва буржуа мамлакатларида жиноий ва сиё-

сий жиноятлар учун сургун қилиш, жуда оғир шароитда ишлатиш ва қамашдан иборат жазо чораси ва шундай жазони ўташ жойи; умуман, оғир меҳнат, чидаб бўлмайдиган ҳаёт шароити. *Каторгага юбормоқ.* ▬ *Тўққиз кишини йигирма йилдан каторгага — оғир ишга ҳукм қилибдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Мен каторга турмасида врачлик қилганман.* К. Яшин, Ҳамза. *Достоевскийда, кераксиз ва шу сабабли жуда ҳам зериктирадиган меҳнат каторгадир, деган ибора бор.* Газетадан.

КАТТА 1 Ҳажми, ўлчами меъёрдан ёки нисбатан ортиқ; улкан; *зид.* **кичик**. *Катта шаҳар. Катта ҳовли. Катта дарё. Катта сой. Катта тош. Катта зал.* ▬ *Трактор кесилган катта дарахтларнинг тўнкасига занжир боғлаб тортар, арра, болта кўтарган одамлар буларни кесиб, қирқиб, араваларга юклашар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўроз қаердандир катта тарвуз келтириб, ўртага қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Таркиб жиҳатдан меъёридан ортиқ, ортиқ миқдорли; *зид.* **кичик**. *Катта қўшин. Катта жамоа.* ▬ *Мен — ўн олтига тўлмаган қиз, бирдан ёт ва катта оилага тушиб қолдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Куч-қудрати, даражаси, салмоғи юқори; буюк, зўр. *Катта ғалаба. Катта тантана. Катта эътибор. Катта жасорат. Катта байрам. Катта маҳорат. Катта тортишув.* ▬ *Бу китобни ўша кечаси катта қизиқиш билан қўлга оларкан, эри Абдуллабой келиб қолиб,* [*китобни*] *қўлидан йиқиб олади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болтабой кечки овқатдан кейин келди. У жуда катта ишни битириб келгандай, оғзи қулоғида бўлиб, нуқул цемент тўғрисида.. цементлаб қилинган тўғон қанчалик пишиқ бўлиши ва ҳоказолар тўғрисида гапирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Ёш жиҳатдан улуғ, ёши ортиқ. *Катта ўғил. У мендан катта.* ▬ [*Юсуфбек ҳожи:*] *Ойим, ҳар нима, сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан кичикка шафқат лозим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Катта хотин *этн.* Биринчи, бош хотин. **Катта қилмоқ** Боқиб, парвариш қилиб ўстирмоқ, вояга етказмоқ. -*Биз сенларни ит азобида катта қилдик-ку, — деди шатидан тушиб Ибн Ямин.* К. Яшин, Ҳамза.

5 *от* Ёши катта киши; қари, кекса. *Каттани ҳурмат қил. Катталар гапига қулоқ сол.*

Каттани кесиб, кичкина қилган Кекса кишиларнинг гапини гапирадиган ёш бола ҳақида.

6 Хизматдаги мартабаси, унвони, даражаси жиҳатдан (бошқага нисбатан) юқори. *Катта илмий ходим. Катта лаборант.*

7 *кўчма* Кўзга кўринган; атоқли, машҳур. *Катта олим. Катта артист.* ▬ *Бу — Абдулла фонусчи деган катта қизиқчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Абдураҳмоннинг амакилари.. Бухорода катта мударрислардан саналар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Тошкентга бутун мамлакатдан катта геолог олимлар келишган.* С. Кароматов, Олтин қум.

8 Юқори лавозимдаги амалдор; раҳбар, бошлиқ. *Шаҳарнинг катталари.* ▬ [*Тожибой:*] *Э, нодон.. Менга тегсанг, жон-жон демайсанми? Бир юртнинг каттаси бўлсам.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Одамлар тамом йиғилган бўлсалар ҳам, катталардан дарак йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ўзини катта олмоқ *(ёки* **тутмоқ**) Амал, даража ёки билим жиҳатдан ўзини бошқалардан устун қўймоқ, мағрурланмоқ, кеккаймоқ. *У* [*Маннон Уйғур*] *ҳеч маҳал ўзини катта тутмас.. барчага баробар, билимдон мураббий эди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам шу ёққа юради Ёшлар, тажрибасизлар катталардан, тажрибали, обрўли кишилардан ўрнак олади, деган маънода ишлатилади. **Катта бошини** *(ёки* **ўзини***)* **кичик қилиб** Ёшининг катталиги, амали-мартабаси ёки давлатига қарамай, ўзини катта олмай; камтарлик билан. *Марғилон деган шаҳардан катта ўзини кичик қилиб, қизи ила келаётган Мирзакарим акага ўғлининг хўрлик келтиришидан чўчиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Катта гап** Эътиборга лойиқ, арзийдиган эканликни билдиради. *Ўртоқ Муслим энди ҳақиқат ким томонида эканини тушунибди, бу катта гап.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Йўқ, аввал юртнинг ҳомийлари бўлган боёнлар ўз ўғилларини ҳозирги замон илм-фунуни билан тарбияласинлар. Шу ҳам катта гап.* Ойбек, Танланган асарлар. **Катта гапирмоқ** (*ёки* **кетмоқ**) *қ.* **гапирмоқ.** -*Ҳой,*

бола, сал пастроқ туш, — дейди яна биров унинг [*куёвнинг*] *катта кетганига жаҳли чиқиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Санга катта гапириб қўйганмиз, думбул ишни азалдан ёмон кўраман-у, ҳар қалай, ишимиз пухта бўлмай, кейин бурнимизни тишлаб қолмасак, деган хавотирдаман.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Катта оғиз** *ёки* **оғзи катта** *қ.* **оғиз.** *Отасининг давлати, катта оғиз, ҳовлиқма ва такаббур онасининг эркалаши қўшилиб, қизга ортиқча ғурур берган..* Ойбек, Танланган асарлар. *Мачитга бориб, ваъз айтинг. Эртага Ғузорнинг оғзи катталарини қалъага тўплаймиз.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

КАТТАЗАНГ *с. т.* Улуғ, мартабали шахс; ўзини шундай шахсларга мос, кибрли тутувчи киши. [*Абдувосеънинг*] *Уйига борсам, Сафохўжа, Абдишукур каттазанглар сўрини тўлдириб ўтиришибди.* «Шарқ юлдузи». *Одатда раислар анча жиддий, кибрли, қўполроқ айтганда, каттазанг бўлишарди, хатти-ҳаракатлари билан мансабу мартабасини таъкидлаб туришарди.* Газетадан.

КАТТАЗАНГЛИК *с. т.* Каттазанг шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Назаровнинг шунчалар каттазангликка бориши унинг етти ухлаб тушига кирмаган..* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Сочи тикрайган, торпешона ва ҳар бир хатти-ҳаракатидан каттазанглиги сезилиб турадиган тошкентлик меҳмон Халиловнинг ҳикоясини тингларди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

КАТТАЙМОҚ Катталашмоқ. *Фотиманинг юзига, худди биринчи мартаба кўраётгандай, жуда ҳайрон бўлиб тикилди. Кўзлари ҳам бехосдан каттайиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАТТА-КИЧИК 1 Ҳажман ҳар хил, ҳар хил катталикдаги, турлича. *Катта-кичик иморатлар. Катта-кичик дарахтлар.* ▬ *Ўрмонжон айвонга чиқиб, стол ва каравотда турган бир неча катта-кичик тугунларни кўриб ҳайрон бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дарё бўйида катта-кичик кўллар, тўқайзорлар кўп эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Аҳамияти, даражаси, кучи жиҳатидан ҳар хил, турли даражадаги. *Катта-кичик муваффақиятлар. Катта-кичик амалдорлар.* ▬ *Бу экспедиция бир ёқдан Шералининг геологияда ўз ўрнини.. белгилаб берган бўлса, иккинчи ёқдан катта-кичик олимлар диққатини жалб этди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 *от с. т.* Турли ёшдаги кишилар; барча, ҳамма, каттаю кичик. *Майдонга катта-кичик йиғилди.* ▬ *Менинг ёшим олтида.. Катта-кичик олдида.. Кўзни қилиб шамғалат, Олмайман ҳеч шоколад.* Қ. Муҳаммадий. *Ўзинг ҳам биласан, қачон қарасанг, катта-кичикка баравар, ҳамиша камбағаллар фойдасини кўзлайди.* Ҳ. Шамс, Душман.

КАТТАКОН *с. т.* **1** Одатдагидан анча катта; жуда катта. *Каттакон бўри. Каттакон қовун.* ▬ *Хонада ўнтача эски, чанг босган парта, кираверишдаги деворга каттакон қора тахта қоқилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўтирганлар орасида Тўлқиний деган сўз сўраб, каттакон папкани қўлтиғига қисганча, минбарга кўтарилди.* Шукрулло, Қор ҳам ёнар экан.

2 *айн.* **катта 3, 8.** *Ҳамза уйингизда каттакон қувончли воқеа юз берганини айтди.* К. Яшин, Ҳамза. *Демак, сув чиқади. Қандай қилиб чиқариш эса одамларнинг ихтиёрида. Фақат каттаконлар йўл қўйиб берса бўлгани.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАТТАЛАШМОҚ. Ҳажми, ўлчами, даражаси ортмоқ, катта бўла бормоқ; йириклашмоқ. *Энди у озди, соқоллари ўсди, юзи қорайди, шаҳло кўзлари яна ҳам катталашди, қадди чўзилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..иш катталашиб кетди, Толиб деган батрак йигитнинг ҳужрасини махфий мажлисхонага айлантирдилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

КАТТАЛИК 1 Ҳажм, кўлам, даража ва ш. к. жиҳатдан меъёридан ортиқлик; катта ҳолат. *Ҳовузнинг катталиги. Ютуқнинг катталиги. Вазифанинг катталиги. Ёш жиҳатдан катталик.* ▬ *Кетмоннинг вазнидан қатъи назар, кетмоннинг бет катталигини ерга чизиб кўрсатди.* А. Қодирий, Обид кетмон. -*Нима қилди, ҳақиқат олдида менинг кичиклигим, сизнинг катталигингиз бари бир эмасми? — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўзини ўзгадан юқори тутиш; манманлик. *Катталикни билмас бир яхши одам, Сахийликда йўлда қолибди Ҳотам.* Фозил шоир.

Катталик қилмоқ Ўзини катта олмоқ, ҳаммани ишга буюрмоқ, хўжайинлик қилмоқ. *Халқ олдида менинг обрўйимни бир пул қилиб калака қилишга ким ҳуқуқ берибди*

унга?! Катталигини қиладиганига қилсин. П. Турсун, Ўқитувчи.

КАТТАРМОҚ *шв.* Катталашмоқ [*Тушида*] *Бир лўнда кумуш кўрди. Шу кумуш ўзидан ўзи каттариб, иккига қоқ бўлинди.* «Тоҳир ва Зуҳра».

КАТТАҚЎРҒОН Оқ-яшил рангли доналари йирик, боши катта бўладиган, майизбоп узум нави. *Нимранг тоифи, пуштиранг ҳусайни, тилларанг қирмисқа, каҳрабо ҳусайни, ҳар донаси ёнғоқдай келадиган каттақўрғон — ҳаммаси шиғил пишган.* С. Анорбоев, Меҳр.

КАТЮША [*р.* Катюша — хотин-қизлар исми] Автомобилга ўрнатилган реактив миномётга 2-жаҳон уруши даврида ҳазил-эркалаш тариқасида берилган шартли ном.

КАУЧУК [*ингл.* caoutchouc < *исп.* caucho < *индейсча* кау — дарахт + учу — йиғламоқ, оқмоқ] Баъзи ўсимликларнинг (мас., кўксағизнинг) ширасидан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланадиган, мураккаб кимёвий таркибли эластик модда (резина тайёрлаш учун ишлатилади). *Табиий каучук. Синтетик каучук.*

КАФАН [*а.* كفن — ўлик ўраладиган мато] Кўмиш олдидан мурдани ўрайдиган оқ мато; қабр либоси. *Уни* [*ўлган болани*] *эски дока кафанга ўраган вақтда, бўйни ва оёқлари чўзилиб кетганини кўриб, уч ёшга кирганини эсладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигитали отасининг оёқларини қучоқлаб, ўкириб-ўкириб узоқ йиғлади, бироқ кафан тортилган юзларини кўра олмади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

КАФАНГАДО [*а.+ ф.* كفنگدا — кафанни тилаб, сўраб олувчи] Бор-йўғидан ажралган, ҳеч нарсаси йўқ. *Ахир кафангадо, хонавайрон, бир бурда нон илинжида қамишқўғазорлар ичида зор қақшаган бу бечораларнинг тортиб келаётган алам-кулфатлари озмиди!* К. Яшин, Ҳамза. *Кечагина кимсан — Шомурод бойваччанинг ўғлиман, деб керилиб юрган Нормурод қулоғигача қарзга ботиб, кафангадо бир йигитга айланди-қолди.* О. Ёқубов, Диёнат.

Кафангадо бўлмоқ Бор-йўғидан ажралмоқ, ҳеч нарсасиз қолмоқ. [*Деҳқонбой:*] *Халқнинг рўзғори бузилди, юрт вайрон бўлди, таландик, кафангадо бўлдик.* К. Яшин, Тор-мор.

КАФАНЛАМОҚ Кафанга ўрамоқ. *Машинадан тушиб, уйга кириб борганимизда, кафанлаб қўйилган бола атрофида зир югураётган.. ота билан онанинг юракни эзувчи фарёди эшитилди.* В. Муродов, Шерлар билан юзма-юз.

КАФАНЛИК Кафан қилинадиган мато; кафан учун белгиланган (олиб қўйилган) мато. *Хўжайин.. мурдашўйни чақиртириб, кафанлик учун тўрт қари бўз ва икки танга хизмат ҳақи инъом қилди.* С. Айний, Дохунда. *Марҳумнинг кафанлиги йўқ экан, Ҳожи бова муллаваччаларнинг салласини олиб, мурдашўйга юборди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КАФАНСИЗ Кафанга ўралмаган; кафан ўрамай, кафанга олмай. *Меъмор билан Уста Нусрат арава топиб келиб, ота-бола мурдани.. уйга олиб келиб ётқизиб, тепаларига шам ёқишди. Эрта билан шу ҳолда кафансиз, кийимлари билан дафн этишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Кафил турма, кафансиз кетасан. Ўйлаб-ўйламай кафил турилса, бор-йўғини ўзи тўлаб, ҳатто кафансиз қолиш мумкинлигига ишора қилувчи мақол.

КАФГИР *қ.* **капгир.** *Холам кафгири мойда, Холам чеҳраси ойдай.* Қ. Муҳаммадий. *Бош тебратар соат кафгири, Дер: қадримни билмас одамлар.* Э. Воҳидов.

КАФЕ [*фр.* cafe < *а.* قهوه — кофе; қаҳвахона] Чой, кофе, енгил таом ва ш. к. сотиладиган кичик ресторан. *..ошхона ёки кафега кирган одамлар лаззатли ва арзон овқат олиб ейиш билан бирга, дам олиш имкониятига эга бўлсинлар.* Газетадан.

КАФЕДРА [*юн.* kathedra — ўриндиқ, курси] **1** Маъруза ўқиш, ваъз айтиш, ахборот бериш ва ш. к. ишлар учун мўлжалланган баланд қурилма; минбар. *Аваз кафедрага чиқиши билан, ҳамма жимиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Олий ўқув юртларида бир ёки бир неча ўзаро яқин фанлар бўйича иш олиб борувчи профессорлар, ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг ташкилий бирлашмаси ва шу бирлашма жойлашган хона. *У вақтда Ҳакимов кафедра мудири бўлиб ишларди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бешта домла ўтирган кафедрадан Мурод сув бўлиб чиқди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

КАФЕЛЬ [*нем.* Kachel] Кошин; деворга қоплаш учун ишлатиладиган сирланган сопол тахтача. *Кафель ўғриси жаримани кафилга қўйиб, аранг қутулди.* «Муштум».

КАФЕЛЛИ Кафель ёпиштирилган, кафель ётқизилган. *Топ-тоза, кафелли йўлакдан ўтиб, бўлимга келдик.* Н. Аминов, Қалтис хато.

КАФИЛ [*а.* كفيل – кафолат берувчи; васий, зомин] Бирор нарсага ёки бирор кимса ҳақида бошқаларни ишонтириб, масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олувчи, кафолат берувчи шахс. *Мен Эргашнинг яхши дўст бўла олишига кафилман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сўрасангиз, Ҳожихон бермаганда ҳам, олиб беришга мен кафил.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кафил бўлмоқ *(ёки* **турмоқ***)* Ишонтириб, масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олмоқ. *Ҳамма мол ва мулки билан қутидор Отабекка кафил бўлди ва қушбегининг ҳақига дуо қилиб, учовлари маҳкамадан биргалашиб чиқишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кафилга бермоқ** Бировга ишониб, айбланувчини унинг жавобгарлигига, зиммасига топширмоқ. *Волостной Муҳаммадкарим билан Аҳмад соқовни кафилга бериб бўшатинглар деди-ю, тарвузи қўлтиғидан тушган кишидай бўшашиб.. кўздан ғойиб бўлди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. **Кафилга олмоқ** Жавобгарликни ўз устига олиб, айбланувчини қутқармоқ, ажратиб олмоқ. *-Ҳой, аҳли маҳалла, шу жўжабирдай болаларининг ҳаққи-ҳурмати, майли, кафилга олайлик, – деди Обид ота.* Газетадан. **Кафилини олмоқ** Масъулиятини, жавобгарлигини ўз устига олмоқ. *Ўша кезларда қурилиш бригадасининг кафилини олганлиги учун биринчи бўлиб бу ишга бош қўшишга тўғри келди.* «Таниш башаралар».

КАФИЛЛИК Кафил туриш, кафил бўлиш; кафолат. *Кафиллик хати.* ▬ *Оқсоқол ўзининг кафиллиги билан самоварчи Қудратдан Ёдгорнинг номига, ҳар азонда бир танга фойда бериш шарти билан, 25 танга қарз олди.* С. Айний, Дохунда.

КАФОЛАТ [*а.* كفالت – кафиллик; таъминлаш, гаров] Кафил бўлувчи нарса, шахс. *Ташқи сиёсатни мафкурадан тўла холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир.* Газетадан. *Имзоланган давлатлараро битимларга сўзсиз амал қилиш – хавфсизлик кафолати ва шартидир.* Газетадан.

Кафолат бермоқ Кафил бўлмоқ, кафиллигини олмоқ. *Лекин бу жузъий ҳодисалар янада каттароқ салбий ҳодисаларнинг сабабчиси бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.* «Фан ва турмуш».

КАФОЛАТЛАМОҚ Кафолат билан таъминламоқ, кафолатли қилмоқ. *«Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятини кафолатлаш тўғриси»да, «Банкротлик тўғрисида».. қонунлар қабул қилинди.* Газетадан. *Бу ўринда Қонунда виждон эркинлиги кафолатланганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.* Газетадан.

КАФОЛАТЛИ Кафиллик (кафолат) берадиган. *Бинокорлар бир неча йилдан бери уй-жой ва жамоат биноларини кафолатли паспорт билан эгаларига топширмоқдалар.* Газетадан.

КАФОЛАТНОМА Кафиллик хати. *Мактубнинг мазмуни билан танишган Мирзо табассум қилди-ю, ортиқча ҳаяжон кўрсатмади. Гўёки бундай кафолатномаларга эҳтиёж сезмайман, дерди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

КАФОРАТ [*а.* كفارت – гуноҳ ювиш; шу мақсадда бериладиган эваз нарса] *эск. кт.* Гуноҳни ювиш, гуноҳни ювиш учун бериладиган садақа, эваз қайтариш. *Гуноҳимга кафорат бериш ёдимға келмасдан Бухоронинг.. танқидига киришибмен..* «Муштум».

КАФСАН *қ.* **капсан.** *Ҳар бир хирмон бошидан [эшон] камида уч ғалвир кафсан олар.. хизматлари учун беҳисоб пул олар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАФТ [*а.* كفّ – қўл кафти; панжа; қўл] **1** Қўлнинг билак учидан бармоқларгача бўлган ички ва оёқ панжасининг остки яхлит қисми. [*Тожибой*] *Кафтига икки чимдим нос ташлади-да, оғзини осмонга қилиб туриб чекди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қўлнинг билак учидан бармоқларнинг охиригача бўлган қисми; панжа, шапалоқ. *Меъмор икки кафтини ёзиб, юрт қатори ўзига ҳам яхшиликлар тилаб, дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Полвоннинг рапидадек кенг кафтларидан чиққан қарс-чапак кўп кишиларнинг диққатини жалб этди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Бир кафт Кафтга сиғарлик, озгина; бир сиқим (ун, дон ва ш. к. ҳақида). *Тўйдан шу болага атаб бир кафт ширинлик ҳам келтирмабсан.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бир кафт дон-дун экишга ҳам қурбим етмади..* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Кафтда кўтармоқ** Эъзоз-икром билан муносабатда бўлмоқ,

ниҳоятда қадрламоқ. *Аскар болаларни кафтимизда кўтарсак арзийди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сизни юмалатармидим, аяйман. Фақат кафтимда кўтараман.* С. Анорбоев, Оқсой. *Терим машинасини кафтимизда кўтарадиган вақт келди.* Ҳ. Нурий.

КАФТДЕК, **-дай 1** Кафт каби. *Барака топгур ер тузувчи ташкилотлар турли-туман техникаларини ишга солиб, майдонни кафтдек текислашибди.* Н. Сафаров, Чўл лочини.

2 Жуда кичик, кичкина. *Мана шу жилғанинг оғзида кафтдек келадиган дўнг бор.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бойнинг ўғиллари бир тан бўлиб, менга кафтдай ер, бир тийин пул бермасликни очиқча айтишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Яққол. *Шербек турган жой баланд бўлгани учун ҳам бутун Академия шаҳарчаси кафтдай кўринади.* С. Анорбоев, Оқсой.

КАФШ [*ф.* كفش – оёқ кийими; кавуш] *эск. кт. айн.* **кавуш.** *Анвар бир оз ёнбошлагандан кейин, яна ўрнидан турди, кафшини кийиб келиб, эшикни очди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КАФШДЎЗ *эск. кт. айн.* **кавушдўз**. *Сўз тери эмаски, кафшдўздек сув пуркаб, чайнаб, тортаверсанг.* Ойбек, Навоий.

КАХЕКСИЯ [*юн.* kakos – ёмон, hexis – аҳвол] *тиб.* Организмнинг очлик ва турли касалликлар оқибатида ҳаддан ташқари озиб кетиши, қисқа вақт ичида чўп-устухон бўлиб озиб кетиш.

КАЧКИЛ [*ф.* کچکول – гадой ва дарвешлар ёнга осиб ёки қўлда олиб юрадиган қайиқсимон қовоқ (ёғоч) идиш] **1** Бели сиқиқ, қопқоқли, ўйма нақшли челаксимон мис идиш. -*Меҳнат ҳам мўъжиза!– деди Робия, качкилга латтага ўраб солинган чинни асбобларни кўтарар экан.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

2 *айн.* **кашкул.**

КАШАК [*ф.* کشک – тортиб турадиган нарса] Иморат ёки бошқа қурилишда қисмларни қимирламайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун қоқиб қўйиладиган ёғоч; тирагич, тирак. *Уста ноилож орқада елка тираб, кашак вазифасини ўтаб қолди.* «Муштум».

КАШАЛ I *шв.* Интизор, зор; хавотирланиш. *Тезроқ боринг шу чодирга, Кашал онам сиздай зўрга.* Ислом шоир.

Кашал бўлмоқ 1) интизор бўлмоқ. *Авазни кўрмоққа кашал бўлиб, бурилиб қўндим.* Балогардон; 2) хавотир олмоқ. *Кашал бўлманг, бир кун кириб бораман, Бек отамга дарак берманг, бобожон!* «Эрали ва Шерали».

КАШАЛ II *шв.* Узоқ. *Жавоб беринг, қалмоқ элга борайин, Кашал элдан бийни олиб келайин.* «Алпомиш». *Кашал кетган менинг болам ўлдими, Мен бебахтнинг куни охир бўлдими?* «Равшан».

КАШАЛ III *шв.* Ишкал. *Қаерга борса, ишни кашал қилиб юради.*

КАШАЛОТ [*фр.* cachalot < *порт.* cachalotte – катта бошли балиқ] Китсимонларнинг тишли, катта бошли бир тури, 60–70 тоннача бўладиган улкан сутэмизувчи денгиз ҳайвони.

КАШАНДА [*ф.* کشنده – тортувчи; чекувчи] Чекишга одатланган; чекувчи. *Мен чекмайдиган одамман, лекин сизлар чекишларинг мумкин. Чекмаса, суҳбат юришмайди, дейишади кашандалар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..кашанда аҳоли ўртасида тамаки чекмайдиганларга нисбатан рак хасталигига чалиниш кўпроқ учрайди.* Газетадан.

КАШАНДАЛИК Доимий чекиш, чекишга берилганлик; чекувчилик. *Рангингиз бирам ғалати бўлиб кетибдики, бўлди энди, чекманг! Кашандалик ҳам эви билан-да!* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

КАШАР Чорва қишлайдиган жойларда чорвачилик ходимлари (чўпон, зоотехник, ветврач кабилар)нинг яшаши ва ишлаши учун мосланган бино. *Чорвачилик биноларини ремонт қилиш.. яйловларда эса қўй қўралари ва кашарлар тайёрлаш чорвадорларнинг энг муҳим вазифаларидандир.* Газетадан. *Чексиз адирлар қор остида мудрайди. Кашарларда ҳаёт қайноқ.* Газетадан.

КАШКУЛ [*ф.* کشکول – дарвешлар садақа йиғиш учун бўйинларига илиб ёки қўлда олиб юрадиган қайиқсимон қовоқ (ёғоч) идиш] *тар.* Қаландарларнинг хайр-садақа йиғадиган махсус идиши. *Абдуваҳоб ғазалга қулоқ солиб ўтирмади, қўлидаги тангани қаландарнинг белида осиғлиқ қора кашкулга ташлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

КАШМИР *айн.* **кашмири 1.** *Не ишларни кампир бунга солади, Гулгун бу айёрдан ўчин олади. Бу дунёдан кашмир фано бўлади. Шундай бўлиб энди айёр ўлади.* Фозил шоир.

КАШМИРИ [*санск.* < Кашмир вилояти номидан] **1** *фольк.* Айёр, ҳийлакор; сеҳр-

гар. *-Сен жодугарми ё бир кашмирими, фириб билан боғлабсан укамнинг қўлини,— деди.* «Нигор ва Замон».

2 Жундан ёки жунга ип ё ипак аралаштириб тўқилган майин мато. *Кашмири чопон. Кашмири шоҳи.* ▬ *Ҳовлида ҳинд кимхобидан тўн кийган, печи зарҳал кашмири саллани бошига қўйган амир ўзига яқин бўлган амалдорлари билан борардилар.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

КАШНЕ [*фр.* cache nez < cacher – беркитмоқ + nez – бурун] Бўйинга ўраладиган камбар рўмол; шарф. *Жун кашне.* ▬ *Гулсум ҳар кун дарвоза тирқишидан кўчага мўралар.. изкларини оқ йўлли кашне билан ўраб Элмуроднинг мактабга кетаётганини кўриб қолар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАШНИЧ [*ф.* كشنيچ، كشنيز – кашнич] Ўзи ва уруғи овқатни хушхўр қилиш учун ишлатиладиган, бир йиллик сербарг хушбўй ўсимлик, ошкўк. *Ошкўклардан кенг қўлланадиганлари: кашнич, укроп, райҳон, жамбил, лавр япроғи ва бошқалардир.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари. *Бурнимга райҳон, кашничларнинг ёқимли ҳиди кирди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

КАШОЛ *қ.* **кашал** I. *Менга кашол бўлманг, бехавотир ухлай беринг десам, қаёқда? Мўлжалларидан сал кечиксам, кўчага чиқиб олиб, тонг отгунча ҳам ўтираверадилар.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлида.

КАШТА [*ф.* كشته – экилган, уруғ қадалган; ишлов берилган**]** **1** Игна билан тикиб туширилган гул, расм, чизиқ ва ш. к. *Кашта қўлда.. ёки машинада, асосан, мато ёки чармга тикилади.* «ЎзМЭ». *У [Фотима] енгларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нозик мунчоқлар билан безатилган халтачанинг сиртига каштага ўхшатиб тикилган чиройли ипак ёзувни Бобур энди кўрди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *-Ўзим ҳам ўйловдим-а, – деди у, қўлидаги кашта тикилган рўмолчаси билан ўзини елпиб.* С. Аҳмад, Муҳаббат.

2 Гул, расм, чизиқ ва ш. к. тикилган мато. *Деворларда Тамара.. ўз қўли билан тиккан кашталар.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

КАШТАДЎЗ Кашта тикувчи. *Ҳар хонага зеб беради каштадўзлари, Меҳнатидай оромбахшдир ширин сўзлари.* Н. Назруллаев. *..каштадўзларнинг ишлари музейларни, жамоат биноларини безамоқда.* «ЎзМЭ».

КАШТАДЎЗЛИК Кашта тикиш иши, касби; амалий санъат соҳаларидан бири. *Моҳир қўллар, дурадгорлик, каштадўзлик ва бошқа тўгаракларнинг қатнашчилари..* Газетадан. *Ўрта Осиёда, айниқса, ўзбек, туркман, тожик аёллари ўртасида каштадўзлик кенг тарқалган.* «ЎзМЭ».

КАШТАЛИ Тикиб гул солинган, кашта тикилган. *Бойлар устларига ипак чопон, чиройли каштали чакмонлар кийиб олганлар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КАШТАН [*лот.* castanea] Қорақайинларга мансуб дарахт ва унинг меваси (ёнғоғи). *Эрталаб балконга чиқсанг, рўпарангдаги каштан дарахтида олмахонлар дикир-дикир ўйнаб юради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

КАШТАЧИ *қ.* **каштадўз**.

КАШТАЧИЛИК *қ.* **каштадўзлик**. *Бадиий каштачилик фабрикаси.* ▬ *Ўзбек каштачилик тарихини ёритишда муҳим фактлардан яна бири..* «ЎТА».

КАШФ [*а.* كشف – очиш, топиш; текшириш] *айн.* **кашфиёт.** [*Йўлдош*] *Айниқса бу кашф ҳарбий истеҳкомда қўлланилса, зўр фойда келтиришини алоҳида таъкидлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Гоҳ усталар ҳунарин баён этдингиз, Олимларнинг кашфини аён этдингиз.* М. Шайхзода.

Кашф этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) 1) яратмоқ, ихтиро этмоқ; топмоқ. *Радиация химияси атом энергияси кашф қилиниб, ядро нурлари ҳосил қиладиган қурилмалар кўплаб тайёрлана бошлагандан кейингина вужудга келди.* «Фан ва турмуш». *Бу антиқа янгиликни Япониядаги Веседа университети олимлари кашф этди.* «Фан ва турмуш»; 2) бирон қиёфа, ҳолат ва ш. к. ни эгалламоқ, олмоқ. *Ажойиб манзара кашф этмоқ.* ▬ *Демак, ҳаёт у йўғида камол топиб борган, ўсган, ўзгарган, янгилик кашф этган.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

КАШФИЁТ [*а.* كشفيّات – ихтиро; топилма; кузатиш, изланиш**]** Текшириш, илмий тадқиқот натижасида, баъзан тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик; ихтиро. *Илмий кашфиёт. Олимларимиз фанни янги кашфиётлар билан бойитмоқдалар.* ▬ *Тахмин фан учун жуда зарур. Ҳамма катта кашфиётларнинг заминида тахмин ётади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Олим ўз кашфиётидан ўзи ҳайратга тушиб, ақлдан озишига сал қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

КАШФИЁТЧИ Янгилик яратувчи, кашф қилувчи; ихтирочи. *Қарийб 40 йилдан бери санъат даргоҳида хизмат қилиб келаётган К. Ёрматов.. янгиликлар кашфиётчиси эканини қатор далиллар исбот этди.* Газетадан.

КАШШОФ [*а.* كشّاف – очувчи, кашф этувчи; изқувар] **1** *эск. айн.* **пионер 1.** *Қаёқдандир бир татар қиз келиб, яхши ўқийдиган болалардан кашшофлар отряди ташкил қилди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

2 *кт.* Биринчи бўлиб янгиликка қадам босувчи, бирор ҳаракатни бошлаб берувчи. *Мўттихон мулойимлик билан давом этди: -Сизга ўхшаган кишиларнинг хотинлари озодликнинг кашшофлари бўлиши керак.* С. Зуннунова, Гулхан.

КАЪБА [*а.* كعبه – куб; куб шаклидаги иншоот] (К - *катта*) **1** *дин.* Мусулмонларнинг Маккадаги зиёрат қиладиган, ибодат қиладиган муқаддас жойи. *Етти марта Каъба бордим, Йўлларида жафо кўрдим, Макка, Мадинадан келдим, Учрадим шу замон сенга.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Шахс ёки жойни Каъбага нисбатлайди; энг муқаддас, азиз нарсага нисбатан қўлланади. *Дуогўйим, Каъбам – онам омонми?* «Гулихиромон». *То кўргунча Каъбам – отам, хайр энди.* «Маликаи айёр». *Кўктошга бориш керак. Бошқа йўл йўқ. Кўктош – биз учун Каъба!* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Нетай, Каъбам, мозорим бўлса юртим, Унга мен бору йўғимни буюрдим.* Т. Тўла.

КАЪБАТУЛЛО(Ҳ) [*а.* كعبةالله – Аллоҳнинг уйи, каъбаси; масжид] *айн.* **каъба 1, 2.** *Шу каъбатуллонинг ичида ўтириб, ёлғон гапирган одам мусулмон эмас, кишининг қасамига ишонмаган ҳам етти мазҳабда мўмин эмас!* [*деди Сафар бўзчи*]. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КАЮТА [*голл.* cajuit] Кемада экипаж аъзолари ёки пассажирлар учун белгиланган турар жой, бўлма, хона. *Юлдузкесар кема каютасида тўпланиб, кино кўриб ўтирган фазогирлар экрандаги Эунинг сўнгги хитобини эшитиб, оҳ деб юборишди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Талабалар пароходга чиқишди, Ойжамол эса пароходнинг палуба, каюталаридан кўзини узмасди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КАЮТ-КОМПАНИЯ [*голл.* cajuit + *фр.* compagnie – жамоа(т)] Кемада командирлар таркиби йиғилиб овқатланадиган, дам оладиган ва мажлис ўтказадиган умумий хона.

КАҲКАШОН [*ф.* کهکشان – сомон тортувчилар, ташувчилар: Сомон йўли] **1** Осмонда тунда узунасига кўринадиган йўл; Сомон йўли. *Термулдим каҳкашонга, тонг жамол очар алвон, Қуёшдан олиб олов.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

2 Шу нарсага нисбат билдиради (нисбатлайди). *Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор. Ярим кеча каҳкашонинг бўлайин.* Миртемир.

КАҲРАБО [*ф.* کهربا – бир турли сариқ тош] **1** Сариқ рангли, шаффоф, ялтироқ, тош қотган елим; смола (зийнат буюмлари тайёрлаш ва иморатларни безашда ишлатилади). *Каҳрабодан ясалган муштук. Каҳрабо маржон. Каҳрабо мунчоқ.* ▬ *Каҳрабо кислотаси чигит мағзидаги мойнинг миқдорини ҳам бир процентга кўпайтирди.* Р. Раҳмонов, Каҳрабо сири. *Домла ҳеч нарса демай, каҳрабо тасбеҳини ўгириб, аллақайси бир сурани пичирлай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма.* Каҳрабо рангига ўхшаш, сарғайган, заъфарон. *Қишнинг элчиси етиб келди. Қаердадир хазонрез изғирин кезиб юрибди. Каҳрабо далалар намиққан.* А. Мухтор, Мўъжизали аланга. *Хон жуда золим экан, оти Хонбобо экан, Зулм остида бу элнинг юзи каҳрабо экан.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Севги дардидан менинг ҳам бўлди рангим каҳрабо.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

КВАДРАНТ [*лот.* quadrans, quadrantis – чорак, тўртдан бир] **1** *мат.* Доиранинг тўртдан бир қисми, чораги.

2 *эск. астр.* Қуёш ва умуман юлдузларнинг уфқдан баландлигини, улар орасидаги бурчак масофаларни ўлчаш учун қўлланган қадимий асбоб.

КВАДРАТ [*лот.* quadratus – тўрт бурчакли] *мат.* **1** Тенг томонли тўғри тўртбурчак. *Квадрат метр.* ▬ *Бодомхон харитага ёпишиб олиб, гўё ундан севикли эрини қидириб топиб оладигандек, нуқталар, чизиқлар, квадратларни бармоғи билан санаб чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир сонни ўз-ўзига кўпайтиришдан ҳосил бўлган сон; иккита бир хил кўпайтувчининг ҳосиласи. *Тўртнинг квадрати ўн олти бўлади.*

КВАДРАТУРА [*лот.* quadratura – квадрат шакл бериш] *мат.* Муайян фигура юза-

си (сирти)нинг квадрат бирлиги билан ифодаланган катталиги. *Уйнинг квадратураси.*

КВАДРАТ-УЯЛАБ: квадрат-уялаб экиш *қ. х.* Уруғни даланинг узунасига ҳам, кўндалангига ҳам бир хил, тенг оралиқда жойлаштириб экиш. *Механизатор кадрлар махсус курсда чигитни ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш агротехникасини ўрганмоқдалар.* Газетадан.

КВАЛИФИКАЦИЯ [*лот.* qualificatio < qualis — қандай сифатли + facere — қилмоқ, қурмоқ] **1** Муайян нарса, воқеа-ҳодиса сифатини аниқлаш, баҳолаш; уни маълум тоифа, гуруҳга киритиш.

Жиноят квалификацияси *ҳуқ.* Амалга оширилган жиноий хатти-ҳаракат учун жиноят қонунида кўзда тутилган моддани (жазо чорасини) тўғри қўллаш мақсадида шу жиноий ҳаракатнинг у ёки бу жиноят таркиби белгиларига мувофиқлигини аниқлаш.

2 Муайян меҳнат турига касбий тайёргарлик даражаси; малака, савия; маҳорат даражаси. *Квалификацияни оширмоқ.*

3 Ихтисос, касб.

КВАНТ [*лот.* quantum — қанча, қанчалик оз] *физ.* Дискрет (узлукли, айрим-айрим) табиатга эга бўлган физик катталик (ҳаракат, энергия ва ш. к.) ўзгариши мумкин бўлган энг кичик миқдор.

Квант механика(си) Физиканинг атом, электрон, протон сингари жуда кичик массали зарраларнинг ҳаракат қонунларини ўрганадиган бўлими.

КВАРТАЛ [*нем.* Quartal < *лот.* quartus — тўртинчи] **1** Йилнинг тўртдан бир қисми, чораги (уч ой). *Йилнинг учинчи квартали. Тўртинчи квартал ҳисоботи. Иккинчи квартал режаси.* ▬ *Буни биз халқ хўжалик планида белгиланган ишларнинг дастлабки кварталданоқ ошириб бажарилаётганлигида.. кўриб турибмиз.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

2 Шаҳарнинг бир неча (одатда тўртта) кесишиб ўтган кўчалар билан чегараланган қисми. *қ.* **мавзе.** *Шаҳардаги эски маҳаллалар ўрнида кўркам кварталлар.. барпо этиляпти.* С. Солиев, Фахр. *Йўқ, ақалли ҳар бир кварталда биттадан маҳалла маркази бўлиши керак.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *махс.* Ўрмон, токзор ва ш. к. нинг йўлкалар ёки табиий тўсиқлар (мас., дарёлар) билан ажратилган ҳар бир қисми, бўлаги (одатда, чорбурчак бўлади).

КВАРТЕТ [*итал.* quartetto < *лот.* quartus — тўртинчи] *мус.* **1** Тўрт созанданинг чолғу асбобларида чалиши ёки тўртта ашулачининг ижроси учун ёзилган мусиқа асари.

2 Шундай асарни ижро этадиган тўрт ашулачи ёки созандадан ташкил топган ансамбль; тўрт кишилик вокал ёки чолғу ансамбли.

КВАРТИРА [*нем.* Quartier < *лот.* quartarius — чорак, тўртдан бир] **1** Катта бинонинг кўпинча бир оилага мўлжалланган, бир ёки бир неча хона, ошхона ва б. ёрдамчи бўлмалардан иборат бўладиган алоҳида яшаш жойи. *Квартирамиз бинонинг тўртинчи қаватида. Янги квартирага кўчиб кирмоқ.* ▬ *Пўлат қуювчи Тургеневнинг квартираси заводнинг орқасидаги икки қаватли уйнинг биринчи қаватида эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *ҳарб.* Қўшинларнинг қароргоҳи. *Полкнинг қишки квартиралари.*

КВАРТИРАНТ *с. т.* Квартирани ёки умуман яшаш жойини ижарага олиб турган киши. *Лаълихон Йигиталига кўз қадаб турар, афтидан, ҳовлиларидаги квартирантларининг уйига кетиб қолиши сабаби уни қизиқтирмасди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

КВАРЦ [*нем.* Quarz] *геол.* Ер юзида энг кўп тарқалган, тиниқ, рангсиз, оқ, баъзан бошқа рангларда кристалик ёки аморф минерал; кремний оксид. *Минерал кварцларнинг ранги оч кулранг, аҳён-аҳёнда қорамтирлари учрар эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ернинг устки қаттиқ қатлами — литосфера ҳар хил бирикмалардан иборат бўлиб, кварц, слюда каби минераллардан.. ташкил топган.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

КВАРЦИТ [*нем.* Quarzit] *геол.* Асосан кварц ва жуда оз миқдорда бошқа минераллардан иборат тоғ жинси (бинокорликда, металлургия саноати ва ш. к. да ишлатилади). *Илк калтаминорликларнинг иш қуроллари чақмоқтош, кварцит каби тошларнинг ҳар хил турларидан ясалган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

КВАС [*р.* кысати > киснуть — «ачимоқ» фл. дан: ачитқи, томизғи] Ундириб янчилган жавдар ёки арпага арпа уни ёки нони ҳамда шакар эритмаси қўшиб, ачитиб тайёрланадиган нордонроқ ичимлик. [*Мутавалли*] *Бир коса муздек квас ичиб, юрагининг ўтини сўндирди-да, тўнини елкасига таш-*

лаб, гандираклаб ташқари чиқди. М. Осим, Элчилар.

КВИНТА [*лот.* quinta – бешинчи] *мус.* **1** Диатоник гамманинг бешинчи пардаси ва биринчи парда билан бешинчи парда оралиғи.

2 Скрипка ва б. баъзи мусиқа асбобларининг энг ингичка (овози энг юқори) тори.

КВИНТЕТ [*итал.* quintetto < *лот.* quintus – бешинчи] *мус.* **1** Бешта ижрочи учун ёзилган вокал ёки мусиқа асари.

2 Беш ижрочидан иборат ансамбль.

КВИТАНЦИЯ [*итал.* quitanza < *лот.* quitantia < quitare – тинчлантирмоқ; мажбуриятдан озод қилмоқ] Пул, қимматбаҳо нарса ва ш. к. ни қабул қилиб олганлик ёки тўлаганлик ҳақидаги расмий ҳужжат. *Почта квитанцияси. Квитанция олмоқ.* ▬ *Милиционер то штраф квитанциясини ёзиб бўлгунча, сал ўзимни ўнглаб олдим.* С. Аҳмад, Суд.

КВОРУМ [*лот.* quorum (praesentia sufficit) – шуларнинг (қатнашаётганлари етарли)] Бирор бир йиғилиш ёки мажлисда шу мажлис қарорларини қонуний деб топиш ёки мажлисни очиш учун унда қатнашиши шарт бўлган ва қонунда ёки жамоат ташкилоти низомида белгилаб қўйилган иштирокчилар сони. *Мажлисни очиш учун кворум бор.*

КВОТА [*лот.* quota – ҳар бир кишига тўғри келадиган қисм, ҳисса < quotus – қанча] **1** Бирор бир нарсанинг йўл қўйилиши мумкин бўлган қисми, улуши, меъёри.

Сайлов квотаси Бир сайлов округида бир депутатнинг сайланиши учун зарур бўлган овоз миқдори.

2 Ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар бир иштирокчиси учун шартнома асосида белгилаб қўйилган ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт қилиш ёки импорт ҳиссаси; улуш, қисм, пай.

КЕБАНАК Ичи кигиздан бўлган чакмон, чопон; намат чакмон (кўпинча чўпонлар кийган). *Дўкон айвонида чўнқайиб ўтирган кебанак чопонли кишини Аваз олисдан кўрди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КЕГАЙ Ғилдиракнинг тўғини билан гупчагини қўшиб, тутиб турувчи таёқсимон қисмлардан бири. *Арава ҳам кўҳна, ямоқясқоқ, ғилдирак темиридан унда-мунда парча-пурча қолган; кегайлари шалоқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Зумрад ғилдирак кегайларига оёқларини енгилгина қўйиб, аравага чиқди.* Ойбек, Улуғ йўл.

КЕДР [*юн.* kedros – кедр, қарағай] Қарағайдошларга мансуб доим яшил игна баргли дарахт.

КЕЖИМ *эск.* Уруш вақтида отга ёпиладиган, ўқ ўтмайдиган махсус ёпиқ. *Мен.. отларга кежим солиб, бир туман отлиқ найзабоз черик бирла ғанимнинг ўнг қўлидан орқасига ўтиб олдим.* М. Осим, Карвон йўлларида.

КЕЗ Вақтнинг маълум қисми; пайт, давр. *Баҳор кезлари. Ёшлик кезлари. Ёлғиз қолган кезлари.* ▬ *-Бултур ана шу кезда, – деди Сафар энгашинқираб, – бозорга саккизта бўз олиб тушган эдим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Йўлчи ҳам бошқа бир кезни мўлжал қилди-да, Шокир ота билан хайрлашиб, эшикка чиқаркан, орқасидан чол сўзлаб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кези келганда Фурсатдан фойдаланиб, имконият туғилганда; зарур бўлганда. *Ҳар бир қизнинг айтса адо бўлмайдиган қиссаси бор, кези келганда, ёрилиб олмаса, қачон ёрилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кези келганда, шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Тешабой.. савдогар тоифасидан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЕЗАК *шв.* Кез.

КЕЗИНМОҚ Ўзича айланиб юрмоқ. *Назир қўлини орқасига қилганича, яна кезина бошлади.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Наққош кетгандан сўнг, шоир эшикка чиқди. Бир оз ҳовлида кезинди.* Ойбек, Навоий.

КЕЗМОҚ 1 Айланиб юрмоқ; сайр қилмоқ. *Чўлларда кезмоқ. Шаҳарни кезиб чиқмоқ. Денгиз соҳилида кезмоқ. Дунёни кезмоқ.* ▬ *Шукуржон қишлоқда бир кун турди, пахтазорларни кезди, онаси билан бувисининг қабрини зиёрат қилди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Ойдин оқшомларда, қишлоқнинг сокин кечаларида Мансур билан жимгина кезишлар ҳам, кечалари толиқиб.. донг қотиб ухлашларнинг ҳам ажиб бир гашти бор эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма* (жонсиз нарсаларга нисбатан) Шундай (айланиш, юриш) ҳаракатда бўлмоқ. *Зулмат қуюқлашиб борар, пастак булутлар қоп-қора этакларини судраб, шаҳар устида кезиб юрар, ҳамон ўша совуқ, лоқайд томчиларини пуркар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ачиган май иси кезган ҳовлиларда шамол-дайди, Ниманидир гўё излаб, хумлар гирдин айланади.* Х. Даврон.

КЕЙИН 1 *рвш.* Шу ёки ўша тобда эмас, маълум вақт ўтгач; сўнг. *Шу китобни кейинроқ ўқийман.* ▬ *Бойваччанинг кимлигини кейин айтаман.* К. Яшин, Ҳамза. *Хўп, ҳозир тақмасанг, чўнтакка сол, уйингга яшир, кейин тақасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қалтис йиқилиб, бирон жойи майиб бўлган киши бунинг оғриғини ўша тобда эмас, кейин билгандек, Сидиқжон бу можаронинг бутун даҳшатини шу кечаси кўрпага кирганидан кейин билди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Аввалгисининг кетидан; сўнг, сўнгра. *Мадаминхўжа дастурхон солди, нон ушатди, кейин каттакон бир гурскеттини келтириб, пичоқ тортган эди, қовун қарс этиб ёрилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чарос яна йиғлаб юборди. Кейин кўз ўнги қоронғилашиб, ҳеч нима кўринмай қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 (эгалик ва келишик шакллари билан: **кейинига, кейинида**) *айн.* **орқа (орқасига, орқасида), кет (кетига, кетида).** *Душман юрар мард ўғлоннинг кейинидан.* «Ойсулув». *Туя, одати бўйича, қудуқдан четкага қараб юрди, кейинидан жун арқон тортилиб борарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ақли расо болаларим билади: Ўқимаган нари, кейинда қолар.* Фозил Йўлдош ўғли.

4 *крш. с.* Бундан ташқари, шунинг билан бирга, шунингдек; яна. *Агар [қовун] яхши бўлса, халқ еб, сизни дуо қилади, мен ўзим емайман. Кейин, ким билади, бир палакдан ҳар хил қовун етишади.. Уч сўлкавой бераман, хўп денг.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўм. взф. (ч. к. билан)* Сўнг, кетидан, тугагач, ўтгач. *Ҳаммадан кейин. Ишдан кейин. Овқатдан кейин. Кун ботгандан кейин.* ▬ *Ҳаммага зеҳн солиб ўтирган Сафаров.. Бўтабой акадан кейин ўшанга [Рўзиматга] сўз берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сидиқжон овқатдан кейин қўлига газета олган эди, бир мақолани яримлатмасдан, кўзи сузилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 *боғл. взф. (ч. к. билан)* Сабаб ёки пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади ва сабаб, пайт муносабатини билдиради. *Қўл калта бўлгандан кейин, қаёққа узатасан?* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёруғ дунёдан умидинг бўлмагандан кейин, дарчанг қийшиқ турди нима бўлди-ю, тўғри турди нима бўлди. Бунақа нарсалар.. орзу-ҳавасга боғлиқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу ишлар бир қадар битгандан кейин, Сидиқжон онасини олиб келгани Баҳрободга борди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КЕЙИНГИ 1 Кетма-кетликда олдингидан кейин турувчи, навбатдаги. *Олдинги арава қай йўлдан юрса, кейинги арава ҳам шу йўлдан юрар.* Мақол. ▬ *Раъно кейинги мисрани ўқиб, ўйланиб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *У [Йўлчи] кўзлаган жойига тезроқ етишга ошиқиб, ўткинчилардан сўрар эди: -Тўпқайрағочга яқин қолдими? -Ҳали бор. Кўприкдан кейинги гузар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кет томондаги, орқадаги. *Араванинг кейинги ғилдираги. Отнинг кейинги оёқлари.* ▬ *Шоҳ [пашша] кейинги оёқлари билан қанотининг устини силади.* А. Қаҳҳор, Башорат.

3 Охирги, сўнгги. *Ғуломжон кейинги вақтларда танҳоликка майл боғлаб, муллаваччалар суҳбатидан ўзини тортадиган бўлиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кейинги янги моделлар ичида ёшларнинг спорт костюми бўлиб, бунга беш қиррали фахрли белги берилди.* Газетадан.

4 Яқинда пайдо бўлган, янги. *Тошкентлик машҳур бир бойнинг хасислиги ҳақида кейинги, ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чалинмаган латифалар суҳбатга «ранг» бериб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Итнинг кейинги оёғи Билиш, ривожланиш жараёнида энг кейинда қолган. *Бирор ҳунар-пунар ўргансин. Йўқса, ўзингга ўхшаб, итнинг кейинги оёғи бўлиб қолади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

КЕЙИНЧА *айн.* **кейинчалик**. *Ҳозирча бошини қайириб олса, кейинча қуйруғини букиш осон.* А. Қодирий, Обид кетмон.

КЕЙИНЧАЛИК *рвш.* Маълум вақт ўтгач, кейинги вақтларда, келгусида. *Кейинчалик бир гап бўлар.* ▬ *Сидиқжон кейинчалик ҳарчанд уринса ҳам, бу тўғрида қоридан бошқа гап ололмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Чамаси, касалхона яқинидаги бу бозорча ўз-ўзидан пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб, устига рангдор пластмасса шифер ёпиб қўйилган эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

КЕЙС [*ингл.* case] Дипломатга ўхшаш япасқи қаттиқ портфель. *У қўлидаги кейс билан машинадан бир ўзи тушибди..* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

КЕК Бирон нарса таъсирида кўнгилда бўлган, қолган аччиқ-алам, ўч олиш ҳис-

туйғуси. *Кек сақламоқ.* ▬ *Болангизнинг бир мартаба «дада» деганини эшитсангиз, ҳар қанақа кек эсдан чиқади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Салим.. Гулнорга қарши синглисида бўлган зўр кекдан фойдаланиш керакми, йўқми, кўзини юмиб ўйлай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзим айтганча, унинг кўнгли юмшоқ, тезгина шахтидан тушади. Унақа кек сақлашни яхши кўрмайди.* Ойдин, Икки кўзи шунда.

КЕКИРДАК 1 Одам ва умуртқали ҳайвонлар нафас йўлининг юқориги қисми. *Ингичка ва йўғон, калта ва чўзиқ товушлар.. кекирдаклари узилиб кетмайдими бу хўрозларнинг?* И. Раҳим, Ихлос.

2 *с. т.* Бўйиннинг олд қисми; томоқ. *Бўйнини чўзиб, қўлларини арра қилиб гапираркан, лаблари дўрдайиб, кўзлари ола-кула бўлиб, кекирдагидаги томирлари бўртиб чиқиб кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..буни бир хилватроқ жойда тўғри келтирсанг-у, кекирдагидан хиппа бўғиб, дамини чиқармай қўя қолсанг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кекирдак чўзмоқ Гапига куч бермоқ, бақириб-чақириб гапирмоқ. *Янги ер очиш тўғрисида муттасил кекирдак чўзадиган ўртоқлар ҳақиқатдан кўз юммоқдалар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кекирдагин чўзганича оёққа туриб, Бажарамиз, дейди раис, кўкракка уриб.* А. Пўлат.

КЕКИРИК Ошқозонда тўпланган ҳавонинг оғиз орқали шовқин билан чиқиши. *Мажлис аҳли кекирик, йўтал келса ҳам, куч билан ўзини босиб.. Чўқаевга қулоқ беришди.* К. Яшин, Ҳамза. *Тил учида, енг ичида иш битирадиганларнинг, кекирикка ҳам пора талаб қиладиган нафси наҳангларнинг куни битди.* «Муштум».

КЕКИРМОҚ Ошқозонда тўпланган ҳавонинг қизилўнгачдан оғиз орқали шовқин (овоз) билан чиқармоқ; кекирик чиқармоқ. *Тўлаган энгашиб, дастурхоннинг бир четига соқолини артди, дон тиқилган товуқдай бўйнини чўзиб кекирди.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

КЕККАЙМА Доим кеккайиб кериладиган. *Халқ кураш «илми»ни яхши билувчи чинакам танти ва баҳодир полвонларни ҳурмат қилган, қадрлаган. Кеккайма, мақтанчоқ, қуруқ полвонлардан кулган.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

КЕККАЙМАЖОН *айн.* **кеккайма.** *Ўз иззатини билмаган кеккаймажонларга ялинишнинг нима кераги бор?* Ойбек, О. в. шабадалар.

КЕККАЙМОҚ 1 Гавдани тик, ғоз тутмоқ. *Баланд бўйли, қирра бурун, келишган ва ҳар доим яхши кийиниб, кеккайиброқ юрадиган бу чиройли қоратўри йигит ўша, Фотимага ошиқ бўлиб юрган бўйдоқ ўқитувчи Каримов эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Ўзини ҳаммадан юқори тутмоқ, гердаймоқ, мағрурланмоқ. *Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча.* Матал. ▬ *Камтар бўлинг, мағрур бўлманг, кеккайманг, Бир кун хижолатдан сиз қилманг аттанг.* Ҳабибий. *Бир-биридан такаббур, бир-биридан кеккайган бойваччаларнинг олдига бу отда боришни ўзига эп кўрмай, дам жўнашга қарор қилар, дам яна айнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕКЛИ Кеки бор, кек сақлаган. *Шундай, у Анварга кекли эди. Шунинг билан бирга, Анварга қарши амалда бир иш қилиш кучидан ҳам маҳрум эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Лекин булар аллақандай аламзада, кекли, доим талвасада.* А. Мухтор, Чинор.

КЕКС [*ингл.* cake (*кўпл.* cakes)] Сут, ёғ қўшиб оширилган хамирдан кўпинча майиз қўшиб пиширилган ширинлик (одатда кулча ёки пирог шаклида бўлади).

КЕКСА 1 *сфт.* Узоқ яшаб катта ёшга етган, умрининг охирги босқичини яшаётган; қари. *Кекса одам. Кекса аёл. Кекса чинор.* ▬ *Қуёш энди тиғ ёя бошлаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш — икки отлиқ чиқиб келаверди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ана, кекса қайрағоч, унинг тунука том устига энгашган азамат шохи қуриб қолибди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *от* Кекса ёшдаги шахс; қария. *Кексалар чойхонаси. Кексалар ўгити.* ▬ *Кексалар бўлса, бундай иссиқ ўттиз йил бурун бўлганини, ўшанда ҳам шаҳар товадай қизиб, одамлар атроф чорбоғларда жон сақлашганини эслашарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Кексаларнинг айтишича, бундай пайтларда биронбир тепаликнинг устига чиқиб, жимгина қулоқ солиб ётсангиз, ернинг нафасини эшитармишсиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *кўчма* Узоқ йиллардан бери мавжуд, кўп йилларни кўрган; қадимий, эски. *Кек-*

са билим даргоҳларидан бири. ▬ *Ҳар бир халқнинг оғзаки бадиий ижодиёти у халқнинг тарихи қадар кексадир.* «ЎТА». *Эй, кекса булоқлар, эски қадрдон, Ўйноқи умримдай жўшиб оқдингиз.* Ғайратий. *Шундай ёрқин, шундай ойдин замони ҳам бўлармикин бу жафокаш кекса дунёнинг?!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Кекса тортмоқ Кексая бошламоқ, кексаликнинг белгилари билинмоқ. *Лекин кунлар ўтиб, Тўти хола ранги синиқиб, кўзлари киртаяётгандай, кекса тортиб қолаётгандай бўлди.* «Гулдаста».

КЕКСАЙМОҚ Кексалик даврига ўтмоқ; қаримоқ. *Дунё можаросидан қўл ювмоқчи бўлган бир отага кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуғ мукофотдир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бахтни ҳалол меҳнат билан топган одам.. кексайганда ҳам ҳаёт лаззатини беминнат татийди.* Газетадан.

КЕКСАЛИК Умрнинг етукликдан сўнгги, организм фаолияти аста-секин заифлаша борадиган даври; кишининг шу даврга, ёшга хос ҳолати; қарилик. *Кексалик даври. Кексалик аломатлари.* ▬ *Юзини кексаликдан кўра кўпроқ кўргиликлар ғижимлаб ташлаган бу чол билан у ўтган йил баҳорда.. танишган эди.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. *Сал қўполроқ, кексаликка йўл тутган Қодиров, нима қилишини ва нима дейишини билмай, ўнғайсизланиб, ўрнидан турди.* И. Раҳим, Тақдир.

КЕКСАРМОҚ *кам қўлл. айн.* **кексаймоқ**. *..айланай, бегим, бизга ўхшаб кексарганингизда эслаб юрарсиз.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бирдан қалбим кексариб, Қон ҳам қочди юзимдан.* Зулфия.

КЕКЧИ Кек сақлайдиган, ўч олиш пайига тушган; адоватчи. *Кекчи одам. Ўтакетган кекчи.* ▬ *Аввалам, мен сиз ўйлаганча кекчи эмасман. Сизда нима айбки, сиздан ўч олсам.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Ҳа, гап ўртамизда қолсин-у, Сардоровни иззат-нафси зўр, кекчироқ одам, дейишади.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

КЕЛАЖАК 1 *сфт.* Ҳозирги пайтдан кейин келадиган, келгусидаги. *Келажак авлод.* ▬ *Йўлчи унинг [Гулнорнинг] сўзларини тингларкан, келажак умри, орзулари, умид ва хаёллари бир парча доғсиз, туташ нур ичида кўриниб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гўзалим, бахтимиз олдинда, Келажак кунларга назар сол.* Т. Тўла. *Самимийлик қизларнинг келажак ҳаётларида энг зарур фазилатдир.* «Саодат».

2 *от* Ҳозирги пайтдан кейин келадиган замон, давр; келгуси. *Ким ҳақлигини келажак кўрсатади.* ▬ *У мактабда ҳамма фанлардан «аъло» олиб ўқир, ҳар фаннинг ўз фазилати борлигини билар, лекин келажакда ўзини қайси бирига бағишлашни билмасди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ўтмишу келажак бир зум ёнма-ён, Гоҳи паст, гоҳ баланд бўлиб сурингай.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ким мозийдан ўгиркан юз, Юз ўгирар ундан келажак.* Х. Даврон.

3 Келгусидаги ҳаёт, тақдир, истиқбол. *Шаҳарнинг келажаги.* ▬ [*Гулнор*] *Илгари ҳам баъзан ўз келажагини ўйлаган вақтларда, бахтли ҳаёт манзарасида Йўлчининг онасини ҳам кўрар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шеробод шаҳри йил сайин барқ уриб ривожланмоқда. Унинг келажаги порлоқ.* «Фан ва турмуш». *Ўртоқ Аҳмедов бу қишлоқнинг тарихини, кейинги бир йил ичида қилинган ишларни, «Қўшчинор»нинг келажагини гапириб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Келгуси, истиқболнинг рамзи; истиқболни белгиловчи шахс ёки нарса. *Ёшлар — келажагимиз.* ▬ *Турли соҳалардан бадиий ижодга отланиб кириб келаётган ёш талантлар адабиётимизнинг келажагидир.* Газетадан.

КЕЛАСИ Ҳозиргидан кейинги, бундан кейин келадиган (асосан, вақт ҳақида). *Келаси ҳафта. Келаси ой.* ▬ *Одатда, у бир ғазал айтар, келаси анжуманда шоири замонлар мазкур ғазалга назира боғлар эдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Келаси замон *тлш.* Ҳаракатнинг нутқ вақтидан кейин бажарилишини билдирувчи феъл тури (феълнинг шундай маъно билдирувчи шакли).

КЕЛБАТ [*ф.* كالبد — гавда, тана; гавда тузилиши, кўриниши] *шв.* Қомат, бичим, қиёфа. *-Тўламат ака, бутун бошлиқ тўнғизни битта ўзингиз еб қўймагандирсиз, ярим-ёртиси тургандир? — деди келбати Тўламатга ўхшаброқ кетадиган бир йигит.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бола бобосининг улкан келбатини бошдан-оёқ кузатаркан, бобом ҳаммадан зўр, деган қарорга келди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Оёқ олишлари ва келба-*

ти қуйиб қўйгандек отасининг ўзи эди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *У ўқланган милтиқдек тикка турибди. Келбатида на ҳайиқиш, на истиҳола.* С. Сиёев, Аваз.

Келбат бермоқ Ўхшамоқ, ўхшашлиги бўлмоқ. *Фақат бурнининг пучуқлиги Момоқизга келбат беради.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. **Келбати келмоқ** *айн.* **келбат бермоқ.** *Менга келиб гапирдинг Шириннинг отин, Жодугарча келар сенинг келбатинг.* «Баҳром ва Гуландом». *Кўкдўнан деб жами қалмоқ қаради, Кўкдўнанга ҳеч келбати келмади.* «Алпомиш».

КЕЛБАТЛИ *шв.* Қоматли, бичимли. *Авазхон билан Ҳасанхон ҳам шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билакли йигитлар бўлди.* «Равшан». *Уй олдида, офтобрўяда, эллик ёшлардаги келбатли, ялангбош киши ўтирибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КЕЛГИН *кам қўлл.* Ўзиники эмас, (қаердандир) келган. *Эмиш қайнона-келин, Келин — бегона, келгин.* Т. Йўлдош.

КЕЛГИНДИ Шу ерлик эмас; ўзга жойдан, бошқа юртдан келган. *-Ҳиндистоннинг озодлиги учун келгинди хўжайинлар, очкўз бўриларга қарши сўнгги томчи қоним, сўнгги нафасимгача жанг қилишни улуғ бахт деб билар эдим, — деди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб. *Кимсан — Саидтўра мингбошининг қизи бўлсам-у, бу яшамагур очкўз, бераҳм бой бир келгинди қашқарликнинг қизини устимга хотин қилиб олса-я!* К. Яшин, Ҳамза.

КЕЛГУСИ 1 *айн.* **келаси**. *Келгуси йил. Келгуси ҳафта.* ▬ *Робия хола келгуси дам олиш куни уларни ўз боғига таклиф қилди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

2 *айн.* **келажак.** *Сизлар келгусида маданиятли, билимдон кишилар бўласиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чўлни ҳозирги ҳолга келтиргунча биз чеккан машаққатларни келгуси авлодимиз тасаввур ҳам қилолмайди.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

3 *кам қўлл.* Кейинги, навбатдаги. *Улар.. уч-тўрт қадам юришлари билан, соя яна олдинга ўтиб кетар, келгуси симёғочгача яқинлашган сайин орқага чекинар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЕЛДИ-КЕТДИ 1 Келиб кетувчилар, одамларнинг келиш-кетиш қатнови (бирор йиғин, тўй, маърака ва ш. к. да йўқлаш муносабати билан). *Зиёфат ва келди-кетди кечаси алла-паллагача давом этди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Келди-кетди бўлиб, Низомжон уч-тўрт кун Дилдор билан бафуржа учраша олмади.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Умуман, муайян жойга одамларнинг давомли тарздаги келиш-кетиши; келиб-кетаётган одамлар. *Дўкон айвонларидаги устунларга суянган азаматлар дам-бадам эснашиб, шундай ёғингарчилик кунлари ҳам қишлоқ марказида авж оладиган келди-кетди, савдо-сотиқни томоша қилардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЕЛИ *шв.* Ўғир. *Хотин жўхорини туйиб бўлди, уни келидан тоғорачага солаётиб дўнғиллади: -Ҳавасга анор ейди дейсиз, шекилли.* А. Қаҳҳор, Анор. *Адолат ўғирдастани келидан олди-да, Қамчига дарвоза олдидаги аравани кўрсатди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Холдон момо ана шу майсаларни келига солди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КЕЛИБ-КЕЛИБ Одатда, ўйланмаган, хаёлга келмаган ва шу билан бирга маъқул бўлмаган иш-ҳаракат, воқеа, ҳодиса ҳақида эканликни қайд этади; охири, ниҳоят. *Келиб-келиб тўй куни қор ёғди.* ▬ *-Мана, бекачим, — деди кулиб Тўйбека. — Анови кунги ёш меҳмонни сенга мақтасам, аччиғландинг, аммо келиб-келиб букун сени ўшанга бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Ғофир:*] *Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-келиб сизларга айтдимми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Жуман кутилмаган саволдан ўзини йўқотиб қўйди. «Нега келиб-келиб менга тиқилинч қиляпти», дегандек атрофдагиларга аланглаб олди..* А. Мухтор, Туғилиш.

КЕЛИМ *кам қўлл.* Келиб турадиган даромад, фойда. *Башарти бирор кун келим канда бўлиб қолса, Исломга ҳаммаёқ қоронғу бўлиб кетади.* «Муштум». *Гар бўлса нодон элим, Авж олиб тургай келим.* Ҳамза, Танланган асарлар.

КЕЛИН 1 Янги турмушга чиққан ёки чиқаётган қиз. *Янги келинларнинг уйи одатда безатилган бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. [*Заргаров:*] *Менга қаранг, ука.. Куёв билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистрация қилинг, бўлак гап йўқ..* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Келин кўрмоқ 1) *этн.* ҳайит-байрам кунлари янги тушган келинни кўриш учун бормоқ (ёш қизлар ҳақида). *[Нури] Ҳар ҳайит уч*

кунгина ясаниб-тусаниб.. «келин кўриш»га юрар эди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) келинли бўлмоқ, ўғлини уйлантирмоқ. *Вой, оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам бормикин!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Келин қилмоқ** *с. т.* Ўғлига хотин олиб бермоқ. -*Келин қилгани бисотда ҳеч нарса борми? -Бисот дейсиз, менинг бисотим сизлар-да, ўғлим!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ўғилнинг хотини (қайнота ёки қайнонага нисбатан). *[Фотима:] Мана шу Марасулни туққанимда, «Шу ўғлим катта бўлса, хотин олса, келинимнинг ҳеч ишига аралашмайман», деб ният қилганман. Худо ниятимга етказди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Қайнона-келин бир дақиқа чамаси кўришиб қолдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Уканинг хотини (ака ёки опага нисбатан). *Зиёдилланинг ўз оиласида шу вақтгача содир бўлган кўнгилсиз ҳодисаларни ҳам, ўз келинининг бебош бўлиб кетганини ҳам ҳазм қила олмаслиги турган гап эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 Ўзидан ёш бўлган қариндош ёки яқин кишининг хотини ва шу хотинга мурожаат. [*Гапга*] *Ҳайдар ота аралашди: -Келин рост айтадилар. Менга қаранг, келин, ўртоғингиз менга сизни олиб келишни жуда тайинлаган.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр Кўрмасдан, билмасдан олдиндан ҳукм чиқарма, деган маънода ишлатиладиган мақол. *Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, дейишади. Олиб келмагунингизча, ишонмайман.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит** Бирор гап-сўзни тўғридан-тўғри «эгаси»га эмас, балки унга эшиттирган ҳолда, ўзгага айтишни билдирувчи мақол. *Унинг назарида, бу гаплар унга қарата, «қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» тарзида айтилаётгандек эди.* Т. Алимов, Совға.

КЕЛИНБАРОН *айн.* **келинтушди.**

КЕЛИНЛИ Келини бор; ўғлини уйлантирган. *Ахир ўғил уйлантириб, келинли бўлдингиз, янги келиннинг қўлини кўрсатай ҳам демайсиз!* А. Қодирий, Обид кетмон.

КЕЛИНЛИК Келинга, келин даврига хос нарса ва ш. к. *Келинлигида жуда гўзал эди.* ▬ *Бу келинчак келинлик даврини супуриш ўрнига сув ташиди, ҳовли супурди, кели туйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Офтоб ойимнинг: «Нега қирқ кокил қилмайсан?» деб сўрашига: «Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди..» деб кулди* [*Кумуш*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Нигоранинг] Келинлик либослари музга айланиб, баданини совитиб юборгандек бўлди..* С. Аҳмад, Пойқадам.

КЕЛИНКЎРДИ, келинкўрар *этн.* Туркий халқларда, жумладан ўзбекларда никоҳ тўйининг эртасига куёвнинг қариндошлари, танишлари, қўни-қўшнилари иштирокида ўтказиладиган янги келинчакни кўриш одати.

КЕЛИНОЙИ 1 Аканинг хотини (ука ёки сингилга нисбатан). [*Нури*].. *тағин дадамга, акаларимга гапирманг бу сирни. Келинойиларим ҳам зинҳор эшитмасин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ёши ўзидан катта бўлган қариндош ёки яқин кишининг хотини ва шу хотинга мурожаатни билдиради. *Агар шу гапларга қаттиқ ишонсанглар, Қумри келинойи, мен ҳовлингизда қололмайман [деди Онахон].* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *[Унсин] Қаддини кўтариб, жасур боқди Шарофатхонга: -Келинойи, акам бировнинг томини тешиб қамалган эмас ё бировнинг ҳақини еган эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЛИНПОШША Келин *с.* эркл. шакли.

КЕЛИНСАЛОМ *этн.* Никоҳ кунининг эртасига эрталаб келинни куёвнинг ота-онаси ва бошқа яқинларига салом қилдириш маросими. *Бунга.. ёр-ёр, ўлан, байт, келинсалом.. кабилар мансуб.* «ЎТА».

КЕЛИНТУШДИ *этн.* Келиннинг келиши ёки уни олиб келиш муносабати билан куёвнинг уйида бўладиган тўй, тантана, зиёфат маросими.

КЕЛИНЧАК Келин 1 *с.* кичр.-эркл. шакли. *Элмурод билан Алексей йўл четида, чилдирмага мунгли қўшиқни жўр қилиб, келинчакни узатиб бораётган аёлларга қараб туришди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир қаришликдан дуторни севаман. Бир қўшни келинчакдан ўрганган эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЛИСОП *шв.* Ўғир дастаси, ўғирдаста.

КЕЛИЧА *шв.* Уй-рўзғорда ишлатиладиган (қанд, мурч ва ш. к. лар туйиладиган), одатда металлдан ишланган кичик ўғир; ҳовонча.

КЕЛИШГАН 1 Келмоқ фл. ўтг. зам. 3-ш. шакли. *Меҳмонлар кеча келишган.*

2 Қадди-қомати чиройли, хушбичим. *Келишган йигит. Қомати келишган қиз.* ▬ *[Муаттар:] Сен у йигитни кўрмабсан, дунёга келмабсан. Қалам қош, қуралай кўз, бир келишган, бир келишган эди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Бу тор, таранг кийимда унинг келишган қомати янада бўртиб турарди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

КЕЛИШИК : келишик категорияси *тлш.* Отнинг ва отлашган сўзларнинг бошқа гап бўлакларига муносабатини кўрсатувчи шакллари ва шу шаклларга хос грамматик маънолар бирлиги (тизими). *Бош келишик. Тушум келишиги. Келишик шакллари.*

КЕЛИШИМЛИ *айн.* **келишган 2.** *Розиқжоннинг жўралари ҳам ўзига ўхшаш келишимли кишилар экан. Роса ҳангамалашдик.* И. Ўктамов, Ҳикоялар.

КЕЛИШМАГАН 1 Келишмоқ фл. ўтг. зам. шакли. *Меҳмонлар ҳали келишмаган.*

2 Ўринсиз, ножўя. *Келишмаган савол. Келишмаган ҳаракат. Келишмаган гап.*

3 Ярашмайдиган, беўхшов, хунук. *Бичими келишмаган кийим.*

КЕЛИШМОВЧИЛИК Фикр, тушуниш, дунёқараш ва ш. к. да бир-бирига мос эмаслик, қарама-қаршилик. *Икки ўртада келишмовчилик, низо бошланганда эса ҳақлигини билиб, кўполлик қилар, бировнинг дилини оғритиб қўйганини сезмай қоларди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Оиладаги келишмовчилик сабаблари чуқур очиб берилган, болаларнинг тирик етим бўлиб қолишига айбдор ота-оналарнинг башараси фош этилган ўткир мақолалар берилса.* «Муштум».

КЕЛИШМОҚ 1 Келмоқ фл. бирг. н. *Улар овдан кеча келишди.* ▬ *Одамлар пойгада ютиб чиққан чавандозга эргашгандай кетимиздан келишар, бир-бирларига гап маъқуллашарди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Ўзаро маслаҳатлашиб, маълум бир фикрга (хулоса, битим ёки қарорга) келмоқ. *Молнинг нархини келишиб қўймоқ. Шартлашувчи томонлар ўзаро келишдилар.* ▬ *Баширжон бирпасда шунча режани хаёлан тузиб чиққач, сангтарош билан келишиб, қўл ташлашди.* Н. Аминов, Суварак. *Давлатимиз бирон катта ишга қўл урар экан, олдиндан отахонлар билан келишади.* «Фан ва турмуш».

3 Муносиб тушмоқ; ярашмоқ. *Бу гаплар айниқса сиз билан менга келишмаса ҳам, азбаройи мени ташлаб қўйганингиздан айтдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳамма жойи хўп келишган ўзига, Ишонинглар мендай подшо сўзига.* «Гулнорпари».

4 Айрим сўзлар билан қўлланиб, «мос тушмоқ», «тўғри келмоқ» маъносини билдиради. *Кетмон тутишга одатланган дағал қўллар игна ушлашга, қатим тортишга келишмаганидан диққати ошган Охун, бир кўзини қисиб давом этаркан, товуши шанғиллади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қачондан бери у газетхон, гапдон, самовар тўрида ўтириб чой ичадиган ва Сидиқжоннинг тили келишмайдиган, ақли етмайдиган гапларни айтиб, ҳаммани оғзига қаратадиган бўлди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўтган хатларимда кундошим билан муросамиз келишмай турганини кулгулик тарзида ёзган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кам қўлл.* Ўхшамоқ. *Жамолинг ўхшайди осмонда ойга, Қошинг келишибди қўлингда ёйга.* «Баҳром ва Гуландом».

КЕЛИШТИРМОҚ 1 Келишмоқ фл. орт. н. *Тарафкашларни бир-бири билан келиштирмоқ.*

2 Ўрнига қўймоқ, қойил қилмоқ, ўринлатмоқ, ўхшатмоқ. *-Мен шу тўғрида газетага бир мақола ёзсамми, деб ҳам ўйлаган эдим, — деди Заргаров, — лекин келиштиролмасман деб қунт қилмадим.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

КЕЛИШУВ 1 Келишмоқ 2 фл. ҳар. н. *Келишувга кўра, қозикалон гўё аҳли уламонинг фикрини билдирган бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Ўзаро маслаҳатлашиб баён этилган фикр, хулоса, қарор; битим, шартнома. *Оғзаки келишув. Келишув тузмоқ. Келишувга эришмоқ.*

КЕЛИШУВЧИЛИК Ўз манфаатини кўзлаб муросага келиш, рози бўлиш, қўшилиш; муросасозлик. *Юзхотирчилик, келишувчиликни безгакдан ҳам ёмон кўраман.* «Муштум». *-Ишлар кўп, — деди ниҳоят бошқарма бошлиғи келишувчилик оҳангида.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КЕЛМОҚ 1 Юриш, учиш ҳаракати ёки транспорт воситалари билан сўзловчига қарама-қарши томон (жой)дан сўзловчи турган томонга, жойга йўл олмоқ, йўналмоқ; шу томондаги бирор жойга етмоқ; *зид.* **кетмоқ, бормоқ.** *Поезд келяпти (поезд келди). Тошкентга меҳмонлар келяпти (меҳмонлар келди).* ▬ *Кеча бир кампир телевизор-*

ни қолдираётиб: «Тезроқ тузатиб беринглар, бугун-эрта неварам аскарликдан келади».. — деб илтимос қилган. Т. Ашуров, Оқ от. *..кулранг шляпа кийган, қора кўзойнак таққан, гавдали бир киши ариқ ичидан Талъат билан ёнма-ён келарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёлғиз ўзим бир четда турган эдим, секин олдимга келди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Сўзловчи бўлган, турган жойга ёки сўзловчи томондаги жойга етмоқ, шу жойда ҳозир бўлмоқ; *зид.* **кетмоқ, жўнамоқ.** *Ёз фасллари деҳқончилик қилади, саҳар кетиб, кеч келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нимага келипти?.. қани бери кел-чи. Ярашгани келиптими?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Вақт маъноли сўз ёки сўз бирикмаси билан қўлланганда, шунингдек, вақт билан мантиқан боғлиқ нарсани билдирувчи сўз билан қўлланганда, шу сўз ёки сўз бирикмаси ифодалаган пайт, фурсат, замон ва ш. к. нинг етганлигини, бошланишини билдиради, «бошланмоқ», «етиб келмоқ», «етишмоқ» маъносини билдиради. *Яхши замонлар келди. Сиз орзу қилган кунлар ҳам келади. Баҳор келди. Экин мавсуми келди.* ▬ *Ўзи ҳам, пайти келиб, мана шу қизлардай дугоналари билан яйраб-яшнаб, қийқириб ўйнай олармикин?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Экин даврига ҳали бор экан, деб яна бир оз мизғиб уйғонсам, куз келибди.* «Муштум». *Ўзини кўрсатиб қўядиган фурсат келганини сезиб, дона-дона қилиб тушунтиришга киришди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бир қаришликдан дуторни севаман. «Кўп чалаверма, бузилиб кетасан,» — дер эди онам боёқиш, айтгани келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ж. к. даги айрим сўзлар билан қўлланганда, шахснинг шу келишикдаги сўз билдирган иш, нарса ҳодисада тўхташини, шундай нарса-ҳодиса юз беришини билдиради. *Бир тўхтамга келмоқ. Шундай хулосага келмоқ.* ▬ *У ўйлаб-ўйлаб, бир фикрга келди шекилли, анча енгил тортиб: «Хаҳ, шунчалик осон гап экан-а».. деб илжайиб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Муқаддам анжомларини йиғиштириб бўлгунча, бир қарорга келди-ю, чақирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 Ж. к. даги баъзи сўзлар билан қўлланганда, шу сўз билдирган иш, нарса-ҳодисага ўтиш, навбат шунга келганлик маъносини билдиради. *Энди Бўтанинг устидаги анови гапга келсак, бу туҳмат гап.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Энди бояги ҳўкизга келайлик.* «Чалпак ёққан кун»... *пахтани нима учун кузда сотмай, ёзда сотаётганига келсак, бунинг тагида гап кўп.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Ч. к. даги айрим сўзлар билан қўлланганда, иш, нарса-ҳодисанинг шу келишик шаклидаги сўз билдирган шахс ёки нарса томонидан бўлишини (амалга ошишини) билдиради. *Сидиқжоннинг ранги бўзариб кетди.. -Бунақа қўшмачилик сизлардан келади..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Менимча, Қоратой ака, Шокир ота, бутун кулфатлар турмушнинг ёмон тузилганидан келади.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Ўзи бирикиб келган сўз ифодалаган нарсанинг юзага келиши, юз бериши, қўзғалиши маъносини билдиради. *Раҳми келмоқ. Ҳаваси келмоқ, Завқи келмоқ. Ғазаби келмоқ. Ғайирлиги келмоқ.* ▬ *Маҳмуданинг хўрлиги келиб, кўзида ёш ҳалқаланди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унинг [Кумушнинг] юзини ўпиб тушган сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кичик поччамнинг жуда иззатли бўлиб кетганига катта поччамнинг ғаши келади, лекин билдирмайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

8 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган ҳолатнинг бўлиши маъносини билдиради. *Ғолиб келмоқ. Маъқул келмоқ. Малол келмоқ.* ▬ *[Отабек] Чиқиши билан нари эшикдан Содиқ ҳам кўриниб қолди-да, Отабек билан тўқнаш келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Нумератив сўзли бирикмалар таркибида эвази нумеративли сўзга эваз бўладиган миқдорни, шунга бериладиган (келадиган, олинадиган) нарсани билдиради. *Бу пулга уч метр атлас келади.* ▬ *Косибнинг бир ҳафталик ишига бир халта дон келади.* Ойбек, Танланган асарлар.

10 Қиёс мазмунли бирикмалар таркибида тенглик, шунча келиш маъносини билдиради. *Бир қоп картошка 100 кило келади.* ▬ *Оёғини ёруққа тутган эди, худди бош бармоғининг тагида гугурт чўпидай келадиган тикан ёнламасига санчилиб турганини кўрди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўзимни очсам, ўзимга иккита келадиган галварсдай йигит ерда думалаб ётибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

11 -ган қўшимчаси шаклида **(келган**) ч. к. даги сўз билан қўлланиб, шу сўз билдирган белги, ҳолатга мойиллик, ўхшашлик маъносини билдиради. *Қорачадан келган.* ▬ *Олдинги қаторда.. ўрта яшар аёл билан сийрак сочлари оқарган, тўладан келган киши ўтирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Чекка сочларига оқ оралаган, бўйи ўртадан келган буғдойранг хотин аввал эрига салом берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Содиқ аканинг ёши қирқлардан ошган, ўзи қотмадан келган бўлиб, атрофдагилар билан тез тил топишиб кетар экан.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

12 2-ш. буйруқ майли шаклида **(кел, келинг)** даъват, ундашни билдиради. *Кел, қўй, тангрининг молини шайтон қизғанади. Қани, олишиб ўтиринглар.* К. Яшин, Ҳамза. *Кел, шуям бир қувонсин!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

13 *Ёрд. фл. взф.* 1) *шв.* боғлама вазифасида «бўлмоқ» маъносида қўлланади. *Эшакнинг юки енгил келса, ётағон бўлар.* Мақол. *Сутсиз сигир сузағон келар.* Мақол. ▬ *От жониворжуда эсли келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. ; 2) **-ги** қўшимчали феълнинг шахс-сон шакли (**-гим, -гинг, -гиси***)* билан қўлланиб, истак-хоҳиш ифодалайди. *Кетгим келяпти. Айтгиси келяпти.* ▬ *Ёдгор ундан кўз узмай ўтиркан, негадир гаплашгиси келди шу топда.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Аҳмадларни тезроқ учратиб, шодлигимни баҳам кўргим келади.* С. Сиёев, Ёруғлик; 3) равишдошнинг **-а(й), -(и)б** қўшимчали шакллари билан қўлланиб, ҳаракатнинг йўлакай, давомли бажарилиши каби маъноларни билдиради. *Келишингда хабар ола кел. Хотираларни ёзиб келяпман.* ▬ *Юнусали ота шу кунгача уларнинг борди-келди гапларига аралашмай чидаб келди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Баланддан келмоқ *қ.* **баланд.** *Ўлдими ундай қилиб. Симу зарни кўргандан кейин.. Башарти жуда баланддан келиб, тархашлик қилиб туриб оладиган бўлса, баҳридан ўтиб қўя қоламиз-да, шунгаям ташвишми?* К. Яшин, Ҳамза. **Баланд келмоқ** *қ.* **баланд.** *Тўғри гапни айтсам, баланд келди.* **Бароридан келмоқ** Юришмоқ, яхши натижали бўлмоқ. *Ишимиз бароридан келди.* ▬ *Ниҳоят, тўртинчи куни ов бароридан келди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бас келмоқ** *қ.* **бас.** *Юр, Асқар, унга ит бас келсин, директорга айтамиз.* Ё. Шукуров, Уч савол. **Бўш келмоқ** *қ.* **бўш.** *Агар Аҳмад охунга бўш келсанг бормн.. шон-шавкатингга путур етиб, сўзинг ўтмас чақадек бўлади-қолади.* К. Яшин, Ҳамза. **Гап келганда, отангни аяма** Ўрни келганда, ҳақ (бор) гапни айтишдан қайтмасликни билдиради. **Ёв келдими** Шошқалоқлик билан ҳаракат қилишнинг ўринсизлигини қайд этади. *Аммо Мирзакаримбой ҳар хил жавоб берди. Бир гал: «Қўя тур-чи, ёв келдими, ёлғиз қизинг, вақт-соати келганда узатарсан..» — деди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Жони бўғзига (***ёки* **ҳалқумига) келмоқ** Сабр-чидам охирги чегарасига етганликни қайд этади. *Беш йилдан бери ўлпонни бермайсан, солиқни тўламайсан, йиғим деса, жонинг бўғзингга келади, ўлакса!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўпга келган тўй** Бирор иш, нарса-ҳодисанинг барчага бирдек тегишли эканини қайд этади. *-Кўпга келган тўй дейсизми? — киноя билан илжайди чол. — Бе! Маҳалламда уч ўғиллилар бор, беш ўғиллилар бор. Ҳаммаси тип-тинч.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тили гапга келмаслик** Қаттиқ қўрқув, ҳаяжон, руҳий ёки жисмоний зарба, касаллик натижасида сўзлай олмаслик. *Эшон сал ўзини йўқотаёзди. Тили гапга келмай галдиради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Тили гапга келмади, мажолсизлик билан яна кўзларини юмди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. **Тилга келмоқ** Гапиришга тушмоқ, гапира бошламоқ. *Ниҳоят, ўғлига енгиллик бериш ниятида Ҳожи тилга келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тўғри келмайди** Маъқул эмас (маъқул бўлмасликни қайд этади). *«Оёқ босиши биланоқ йўқлаб бораман», деб жазм қилган эди, оёққа босганидан кейин ўйлаб қараса, тўғри келмайди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Эпақага келмоқ** *қ.* **эпақа.** *Нимасини суриштирасиз, мулла ака, хўжайинлар орасидан эпақага келадиганини қидириш анқонинг тухумини қидириш билан баробар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ўзига келмоқ** 1) ҳуши ўзига келмоқ, эс-ҳуши тикланмоқ. *Беҳуш ётган бемор икки соатдан кейингина ўзига келди*; 2) эс-ҳушини йиғиштириб олмоқ. *Уни кабинетда нималарни эшитаркан-ман деган савол қийнарди, у ўқитувчилар хонасида бош қотириб ўтирар экан, секре-*

тарь қиз, «ичкарига кираркансиз», дегандан кейин ўзига келди. «Гулдаста». **Қўлдан келмоқ** Уддасидан чиқмоқ, қила олмоқ, бажара олмоқ. *Қўлимдан шунча иш келар экан, даданг ҳаёт вақтида нега «берсанг — ейман, урсанг — ўламан», деб ўтирган эканман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Агар қўлимдан келса, ачиб ва ёниб турган юрагимни сенга очиб кўрсатар эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энди бундан буён ҳақимни ҳеч кимга бермайман. «Дард» деса, «ўл!» деб тура бераман. Нима қиласиз, қўлингиздан нима келади?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўл келмоқ** Талаб-эҳтиёжга яраб иш бермоқ; тўғри келмоқ. *Балким бу тушунча кимларгадир қўл келар, балки уларнинг манфаатларига хизмат қилар.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўқимаганингиз ҳам яхши бўлган экан. Бу ҳунар эркакларга қўл келади.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

КЕЛТИРМОҚ 1 Келмоқ фл. орт. н. *Уйга келтирмоқ. Чеккисини келтирмоқ. Ғазабини келтирмоқ. Ғашини келтирмоқ.* ▬ *Ҳокимнинг зуғумли буйруғи халқни ғалаёнга келтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фикрини қувватлаш, исботлаш учун қўшимча фикр айтмоқ ёки бошқа кишининг фикрини қўшиб айтмоқ. *Мисол келтирмоқ. Цитата келтирмоқ. Далил келтирмоқ.*▬ *Жомийнинг илми ва фазилати тўғрисида Навоийнинг шу сўзларини келтирмак кифоядир.* Ғ. Ғулом, Тарихий муносабатлар.

Имон келтирмоқ *қ.* **имон.** *Дам худога имон келтириб, дам йўталиб, биров эшикдан кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Калима келтирмоқ** *қ.* **калима.** *Беимон кетма, дейман. Қани, калима келтир!* К. Яшин, Ҳамза. **Кифтини келтирмоқ** Қойил қилмоқ, жуда ўрнига қўймоқ. *Ҳар қандай ишни кифтини келтиради.* **Шак келтирмоқ** *қ.* **шак.** *Яна буларга шак келтирдим.* У. Исмоилов, Сайланма. **Қирон келтирмоқ** *қ.* **қирон.** *Мана бу туғни Ҳазрат Али Карбало даштида кофирларга қирон келтирганларида кўтариб чиққанлар.* К. Яшин, Ҳамза.

КЕМА Сувда сузадиган, юк ва йўловчиларни ташиш, балиқ овлаш, илмий-тадқиқот, спорт, сайёҳлик ва ҳарбий мақсадлар учун мўлжалланган қурилма. *Балиқчилар кемаси. Юк ташиш кемалари. Ҳарбий кема.* ▬ *..юк ортилган кемалар бу кенг сувьий анҳор орқали Амударёга борар, ундан Орол денгизига тушиб, Ғаззолига кетарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Зангори кема Пахта териш машинаси. *Йўлнинг икки четидаги уммондек бепоён пахта далаларида зангори кемалар сузмоқда.* Газетадан. **Кемага тушганнинг жони бир** Бир мақсадда бирга ҳаракат қилувчилар яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам бирга баҳам кўрадилар, деган маънони билдиради. *Эмин Ражабов ўзини яна полка тагига олмоқчи эди, Нормат ушлаб қолди: -Дадил бўл, ўртоқ, кемага тушганнинг жони бир!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Космик кема** Космосда учиш учун махсус ишланган қурилма. *1960 йил 19 август куни иккинчи космик кема Ер йўлдоши орбитасига учирилди.* Ҳ. Шокирова, Парвозлар. **Ҳаво кемаси** Дирижабль, оғир самолёт. *Ҳаво кемаси оҳиста учиб боряпти; самолёт салони оддий иш кунидек гавжум.* Газетадан.

КЕМАКАШ *айн.* **кемачи.** *Кемакаш учун туман қаттиқ бўрондан ҳам хавфлироқдир.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

КЕМАСОЗ Кема қурувчи мутахассис. *Тонг отиши биланоқ дурадгорлар, кемасозлар ишга кетдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

КЕМАСОЗЛИК Кема қуриш иши, шунингдек, кема қуриш ҳақидаги фан. *Кемасозлик институти.* ▬ *..кемасозлик заводи ишчиларининг йиғилишида мингдан ошиқ киши қатнашди.* Газетадан.

КЕМАЧИ Кемани бошқарувчи киши; кема билан дарёдан киши ва юк ўтказиш ёки ташиш билан шуғулланувчи киши. *Дарё бўйида кемачи йигитлар Муқимийга хушхабар етказдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

КЕМИК Илик суяги, япалоқ суяклардаги ёғ-тўқималар. *Яна бундай тўқималар найсимон суяклар ичидаги илик, япалоқ суяклар орасидаги «мижик» ва «кемик» деб аталувчи ёғлардан ҳам иборат бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

КЕМИРМОҚ 1 Қаттиқ нарсани тиш билан қириб, ушатиб майдаламоқ; ғажимоқ. *Суяк кемирмоқ.* ▬ *Уч-тўрт яшар сапсариқ қизча пўсти арчилган сабзи кемириб турибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бирининг [оёқ кийимнинг] юз ярмини сичқон кемирган, бирининг юзи тагчармга ёпишиб кетган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Таталаб қийнамоқ, азоб бермоқ (руҳий кечинмалар ҳақида). *У минут сайин юрагини кемириб кетаётган бу дардни ҳеч кимга айта олмас.. эди.* А. Қаҳҳор,

Қўшчинор чироқлари. *Нигоранинг илк бор «Шер ака» деганини эшитганида, баданини кемираётган оғриқни ҳам унутиб, аллақандай ширин, қайноқ бир ҳиснинг зўридан маст бўлган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КЕМИРУВЧИ 1 Кемирмоқ фл. сфдш.; кемирадиган. *Қуртларда капалакларникидан фарқ қиладиган кемирувчи оғиз аппарати бўлади.* «Зоология». *Шубҳа кишини кемирувчи, ҳаёт тотини оғуга айлантирувчи энг ёмон нарсадир.* А. Эшонқулов, Оила бахти ҳақида.

2 *қ.* **кемирувчилар.**

КЕМИРУВЧИЛАР Сутэмизувчиларнинг ўсимликлар, уларнинг меваси, дони билан овқатланадиган энг катта туркуми (курак тишлари яхши ривожланиб, овқатни кемиришга мосланган бўлади; мас., қуён, каламуш, сичқон). *Сувсар кемирувчиларга қирон келтирган бўлса ҳам, уй паррандаларига тегмайди.* Газетадан.

КЕМИРЧАК *анат.* Одам ва ҳайвон организмидаги эгилувчан ва қаттиқ бириктирувчи тўқима; тоғай. *Бурун кемирчаги.* ▬ *Беморга янги кемирчак қўйиш.. оддий операция бўлиб қолди.* Газетадан.

КЕМПИНГ [*ингл.* camping < camp – лагерь бўлиб жойлашмоқ] Автосаёҳатчилар учун қурилган, чодирлар, кичик уйчалари ҳамда автомобилга техник хизмат кўрсатадиган жойлари бўлган ёзги оромгоҳ.

КЕМТИК 1 Предметнинг учган, синган, кертилган, бузилган, нураган жойи. *Санам боғ адоғидаги кемтикдан ошиб, эгаси кўчиб кетиб, ҳувиллаб қолган қўшни боққа тушди,* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Дарҳақиқат, унинг чап қулоғи кемтик. Ўқ олиб кетган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Супа четидаги ўчоқда, қоп-қорайиб, жўмраги кемтик қумғон қопқоқни кўтариб, бақир-бақир қайнарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *кўчма* Етишмайдиган, тўлмай қолган жой; етишмовчилик, камчилик, нуқсон. *Бунақа аёл билан умрининг охиригача яшаб бўладими? Ҳаётнинг нуқул кемтик томонини кўради.* С. Нуров, Нарвон. *Фақат ҳисоб-китобингизда эмас, ишларингизда ҳам чалкашликлар, кемтиклар бор..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

КЕМТИМОҚ Бир томонидан, чеккасидан узиб, учириб олмоқ; шу тарзда йўқ қилмоқ, камайтирмоқ, қисқартмоқ. *Авж олганини чеканка қилиб, кемтиб тураман.* Шуҳрат, Олтин зангламас. *Ерга ер қўшиш ўрнига уни кемтиш, ташлаб қўйиш, қўриққа айлантириш уят-ку, ахир.* Газетадан.

КЕМШИК Бир-икки олд тиши тушган ва ўрни очиқ қолган. *Кемшик бола.* ▬ [*Кампир*] *Холдор билан Кимсаннинг уйғоқлигини кўриб, ерга чўкка тушди, кир рўмолининг учини кемшик оғзига солди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Нортожининг ҳозир ёши олтида, Бироқ чоллар каби кемшик бечора.* Ғ. Ғулом.

КЕНАС с. *т. эск.* Князь. *..Тошкентда қаттиқ ер қимирлаган экан. Гўртдаги (город – шаҳар) кенаснинг уйи ҳам қулаган экан.* Мирмуҳсин, Умид.

КЕНГ 1 Ичи, ич ҳажми, сиғими, сатҳи катта. *Кенг уй. Кенг майдон. Кенг пайкал. Тор жойда ош егандан кенг жойда мушт еган яхши.* Мақол. ▬ *Ичкари-ташқари данғиллама ҳовли. Ичкари ҳовлининг саҳни кенг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамлар.. саҳнга кенг давра қуриб ўтирдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тоғ этагин тутиб ётар кенг пахтазор.* «Гулдаста».

2 Эни, кўндаланг ўлчами катта; энли, сербар. *Кенг йўл. Кенг дарё. Кенг барглн ўсимликлар.* ▬ *Орасидан кўқонарава бемалол юрадиган кенг, узун ишкомлар икки таноб-дан ортиқроқ ерни ишғол этган.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўлчами мўлжалдагидан катта; катта келадиган, бемалол сиғадиган (кийим ва унинг қисмлари ҳақида). *Кенг тўн. Кенг шим. Кенг енг.* ▬ *[Мингбоши] Кенг, оппоқ сурп яктагининг барларини.. икки ёққа ёйиб, секин-секин лапанглаб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Тарқалиш, қамров доираси катта; кўп нарсани ўз ичига олган. *Кенг имкониятлар яратмоқ. Кенг истеъмол моллари. Ишнинг кўлами ниҳоятда кенг.* ▬ *Муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилинди.* Газетадан. *Актриса ўз қаҳрамонини кенг фикрли, салобатли, ишчан, олижаноб.. иффатли аёл сифатида тасвирлайди.* Газетадан.

3 *кўчма* Меҳр-мурувватли, яхшиликни аямайдиган, кўпчиликка бирдек муносабатли. *Кенгга кенг дунё, торга тор дунё.* Мақол. ▬ *Холам қўли очиқ, кенг, Овқатни улашар тенг.* Қ. Муҳаммадий.

Феъли (*ёки* **кўнгли) кенг** *айн.* **кенг 3.** *Валижон деган вакилимиз.. феъли кенг одам эди-*

да. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Кўнгил кенг бўлса, ҳужра ҳам саройдай.* Газетадан. **Юраги кенг** 1) унча-мунчага ғам емайдиган, ташвиш тортмайдиган. *Юрагингиз мунча ҳам кенг бўлмаса, кўзингизга уйқу келганига ҳайронман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) *айн.* **феъли кенг.** *Аҳмаджон командирнинг машқ қилдиришга шошилмаганидан ҳам кўра, дам олишга ижозат берганига ҳайрон бўлиб, «мунча ҳам юраги кенг одам экан!» деб қўйди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

КЕНГАЙМОҚ 1 Ичи ёки сатҳи катталашмоқ; кенг бўлмоқ. *Кўча кенгайди. Уй кенгайди. Пахта майдони кенгайди.* ▬ *Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очиқ лаби титради.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ўпқон борган сари кенгайиб борарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Қамров доираси ортмоқ, катталашмоқ. *Иш кўлами кенгаймоқ.* ▬ *Тиббиёт муассасалари тармоғи йил сайин кенгайиб, замонавий техника билан тобора яхшироқ жиҳозланмоқда.* Газетадан. *Жиноятчилар гуруҳининг сафи кенгайиб борарди.* «Муштум».

КЕНГАШ 1 Бирор иш, ҳаракат юзасидан фикр-мулоҳаза, йўл-йўриқ; маслаҳат. *Кишининг бошига бир иш тушганда, дарров бировдан кенгаш ва ёрдам сўрайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Болаларнинг кенгаши билан икки бўзни кўтариб, шом пайтида мирзонинг уйига бордим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ўзаро, биргаликдаги муҳокама; шундай муҳокама мажлиси; йиғилиш. *Ишлаб чиқариш кенгаши.* ▬ *Тўмарис жанг кўрган доно чоллар, аёлларни чақириб, кенгаш ўтказди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ана шу Бойгузардаги бир бойнинг уйида махфий гуруҳнинг кенгаши бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Бирор корхона, муассаса, жамиятнинг фармойиш ёки маслаҳат берувчи органи. *Оқсоқоллар кенгаши. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши.* ▬ *..правление Ўрмонжонни ҳосилот кенгашининг раиси қилиб тайинлади..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КЕНГАШЛИ *с. т.* Кенгаш билан бўлган, кенгаш билан қилинган. *Кенгашли тўй тарқамас.* Мақол.

КЕНГАШМОҚ 1 Биргаликда муҳокама қилмоқ, ўзаро маслаҳатлашмоқ. *Амирзодам, бугун отлиқ сайрга чиқмоқчи эдингиз, хоним ҳазратларининг таклифларини барча беклар билан кенгашиб кўрурмиз.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Энди бизларни жойлаштиринг, эртага халқ билан кенгашамиз.* А. Мухтор, Чинор.

2 Маслаҳат олмоқ, маслаҳат сўрамоқ. *Сен уйингга бориб, отанг билан кенгаш, болам. Ота рози — худо рози.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КЕНГАШЧИ Маслаҳат берувчи, маслаҳатчи. *Қушбеги Отабекнинг бу гапларидан яхшигина тараддудга тушган эди, аммо Азизбекнинг оталиғи ва кенгашчиси бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлиши унинг миясини қотирган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЕНГЛИК 1 Эн ўлчами, сатҳнинг катталиги. *Шаҳарнинг кенглиги. Уйнинг кенглиги. Кўчанинг кенглиги.* ▬ *Майдон икки таноб кенгликда бўлиб, жануби қутидор ва қўшнисининг иморатлари.. ҳам шунга ўхшаш иморатлардан иборат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу жой тепалик ўртасида бўлиб, кенглиги ярим гектардан ортиқ эмас эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Очиқ, кенг бўшлиқ. *Заргаров ўша томонга, олис уфқларга ястаниб ётган кенгликларга тикилганча қолди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Йигирмадан ортиқ ёш чавандозлар тоғ бағридаги кенгликда у ёқдан-бу ёққа қувлашар.. эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *геогр.* Экватордан меридиан бўйлаб кетган ва градуслар билан ифодаланган масофа (ердаги пунктлар ўрнини белгилаш учун хизмат қилади).

Жанубий кенглик Экватордан жануб томонга кетган ва градуслар билан ифодаланган масофа. **Шимолий кенглик** Экватордан шимол томонга кетган ва градуслар билан ифодаланган масофа.

КЕНГ-КОВУЛ Кенг-мўл (асосан, жой ва кийимга нисбатан) *Дўкони ҳам кенг-ковул экан.* Ойбек, Болалик. *У [Мария].. сочини турмаклаб, хонаки, кенг-ковул кўйлак кийиб олган эди.* А. Мухтор, Чинор.

КЕНГУРУ [*ингл.* kangaroo < Австралия аборигенлари тилида «гапингизга тушунмадим» деган ибора] Австралияда тарқалган, сакраб юрадиган халтали сутэмизувчи ҳайвон.

КЕНГЧИЛИК *с. т.* Мўлчилик, маъмурчилик.

КЕНДИР *қ.* **кандир**.

КЕНЖА 1 Энг охирги фарзанд, энг кейин туғилган ўғил ёки қиз. *Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ қўпориб, шу кенжа арзандасига сарф қилиш учун уринар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кенжа ўғил Сайфулла билан кенжа қиз Мастурабиби, айвон олдига келган, уст-боши ниҳоятда кир Элмуродга жирканч билан тикилиб турардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир турдаги нарсаларнинг пайдо бўлиш, юзага келиш кетма-кетлигида кейингиси, сўнггиси; кейинги, сўнгги. *Кенжа шогирд. Кенжа куёв.* ▬ *1978 йил баҳорида кенжа хўжаликда.. Ш. Р. Рашидов пахтакорлар билан самимий суҳбат қилиб, қимматли маслаҳатлар берди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шу пайт эшикни секин очиб кириб келган Содиқжон бойваччанинг кенжа хотини Шаҳзодахон уни ширин хаёллар қучоғидан юлиб тортиб олди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Кенжа (эркаклар исми).

КЕНЖАТОЙ 1 Кенжа с. кичр. -эркл. шакли. *Кенжатойимиз ҳар куни йиғлаб қайтади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *с. т.* Бола, гўдак, кичкинтой.

КЕННОЙИ *с. т.* Келинойи. *Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнининг боласи югуриб кириб қолди: — Севинчи беринг, бек буви, кеннойим келдила!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёдгорнинг уйланганини Тамила кеннойингиздан эшитиб, азбаройи ачинганимдан сизга айтдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЕНТ [*суғд.* كنت, كند — уй, хонадон] *эск.* Маълум хусусияти билан шаҳар ва қишлоқдан фарқланиб турувчи, аҳоли яшайдиган жой; шаҳарча. [*Йўлчи:*] *Эшитган бўлсангиз керак, ҳозир кўп шаҳарларда, кент, қишлоқларда камбағал халқ ўз ҳақини даъво қилиш учун шайланмоқда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чўлқувар архитектор ва инженерларимиз бир вақтлардаги сардобалар ўрнида сўлим манзилгоҳлар, янги кент ва шаҳарлар барпо этмоқдалар.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. *Кўпдир мамлакатда кентлар, овуллар.* А. Орипов.

КЕПАК 1 Буғдой, жўхори каби донлар тортилганда (ун қилинганда), улардан чиқадиган пўсти ва ун бўлмаган дон чиқитлари. ▬ *-Нонларингиз ичида нега сомон кўп? — деди Шокир ака. -Сомон эмас, арпа унининг кепаги, қилтиғи, — деди Қулмурод.* С. Айний, Қуллар. *Ойимхон.. очдан ўлмаслик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақига бир коса кепак олиб, нон қилиб еган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *с. т.* Қазғоқ. *Гап шу ерга келганда, Берди Аминович.. бошларини қашиб қолдилар. Елкаларига кепак ёғила бошлади.* «Муштум».

КЕПАТА *шв.* Қиёфа ҳолати (одатда ёмон, аянч, ачинарли аҳвол). У.. *нажот йўлини бутунлай йўқотган киши кепатасида ўтирарди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Паранжили хотин ўғлининг заҳил юзини, озиб кетганини кўриб, йиғлаб юборди: -Вой, айланай болам-ей! Жон болам-ей! Сени қандай кепатага солибди-я бу золим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..хумордан чиққунча калтаклашибди. Тағин бир кепатада ташлаб кетишганини айтинг!* Э. Аъзам, Кечикаётган одам. *Шамол ҳамма нарсани ўз ҳукмига олади.. Истаган кепатасига солаверади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

КЕПКА [*фр.* kepi] Эркакларнинг гардишсиз, олди соябонли юмшоқ бош кийими. *Илҳомжон жаҳл билан кепкасини бостириб олди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

КЕПЧИК Ёғоч гардишга хом тери қопланган, ғаллани елпиш, совуриш учун ишлатиладиган рўзғор буюми. *Ўгай қизнинг олдига бир кепчик гуруч билан бир кепчик мошни қўйиб кетибди.* «Зумрад ва Қиммат».

КЕРАГА Ўтовнинг четанга ўхшатиб ишланган девори. *Шамол кучайиб ўкирмоқда, Шерали ўтирган ўтов, ёрдам сўраб ялинаётгандай, титраб-тебранар, керагалари зорланаётгандай ғижирлар эди.* С. Анорбоев, Шерали. *Шабада ўтовнинг керагаларини аста ғичирлатади, саратон яйловнинг бошни айлантирадиган эпкинини олиб келади.* А. Мухтор, Чинор.

КЕРАГИЧА *рвш.* Талаб этилган миқдорда, талаб этилган даражада. [*Ўзбек ойим:*] *Кам бўлса, дарров омбордан керагича олиб чиқ, ундан кейин хамирингга ўзинг қара.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЕРАК 1 Талаб-эҳтиёж бор, даркор, зарур. *Жой керак. Озиқ-овқат керак. Китоб керак. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак.* Мақол. *Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади.* Мақол. ▬ *Қишлоқдагиларни боқиш учун пул керак, кийим керак.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар одам, одам*

боласига ўхшаб умр кечираман деса, унга кўп нарса керак бўлар экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *Ёрд. с. взф:* 1) феълнинг **-(и)ш** қўшимчали шаклига бирикиб, тасвирий шаклни ҳосил қилади ва ўзи бирикиб келган сўз билдирган ҳаракатни бажариш лозим бўлган ҳаракат эканлиги маъносини билдиради. *Айтишим керак. Хабар олиш керак. Дам олиш керак.* ▬ *Ҳозирги кунда илм-фаннинг бирор йўналишида етук мутахассис бўлиш учун фаннинг бошқа йўналишларини ҳам чуқур билиш керак.* Газетадан. *Ёшлар.. уламолар олдида адаб сақлашлари керак.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) феълнинг шарт майли шакли билан бирикиб, гумон, тахмин, эҳтимоллик маъносини билдиради. *Келса керак. Билса керак. Айтса керак. Чиройли бўлса керак. Ширин бўлса керак.* ▬ *У, Чароснинг онаси жаҳл устида шу ишни қилган бўлса керак, деб ўйлаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЕРАКЛИ Керак бўладиган, талаб этиладиган; зарур. *Керакли китоб. Керакли асбоб. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.* Мақол. ▬ *Улар буни варақлаб, керакли газламаларнинг парча-парча нусхаларини кўриб танлайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хўжаликка керакли бинолар.. муддатидан анча бурун битди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КЕРАКСИЗ Кераги йўқ, талаб этилмайдиган; ортиқча. *Кераксиз идиш. Кераксиз нарсалар.* ▬ *[Тантибойвачча] Кераксиз бўлса ҳам, тантилик учун ҳар хил овқатлар, ичимликлар буюрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕРАМЗИТ [*юн.* keramos – лой, гил; тупроқ] Лойсимон жинсларни ўтда тоблаб (пишириб) олинадиган, шағал, чақиқ тош ёки қум кўринишида тайёрланадиган ғовак қурилиш материали.

КЕРАМИКА [*юн.* keramike (techne) – кулолчилик (санъати) < keramos – лой, тупроқ] **1** Табиий лойларни юқори ҳароратда пишириш йўли билан сопол, чинни идишлар, нақшли нафис буюмлар ишлаб чиқариш ва шундай иш санъати. *Керамика заводи.* ▬ *Риштон керамика заводининг маҳсулотлари йил сайин кенг шуҳрат қозонмоқда.* Газетадан.

2 Табиий лойни пишириш йўли билан ясалган буюмлар. *Керамика буюмлари.* ▬ *Ўзбекистон архитекторлари биноларни рангли керамика ва нақшлар билан безашда халқнинг анъанавий усулларидан ўз ижодларида кам фойдаланмоқдалар.* Газетадан.

КЕРГИ 1 Каштачилик асбоби; чамбар, чамбарак.

2 Нарсалар орасини очиб, кериб қўйиш учун ишлатиладиган икки томонлама тиргак. *Шунда дадам бақатераканинг шохидан кесиб, сигирнинг оғзига керги солса, шиши қайтарди-қоларди.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

КЕРИК 1 Ораси очиқ, керилган; тешиклари катта. *Мирҳожи боши юмалоқ, катта бурнининг катаклари керик.. гердайган бой.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 *кўчма* Ўзига бино қўйган; талтайган, керилган. *Мана бугун ҳам мингбошининг керик хотини.. «Итваччаларини эргаштириб чиқмасин, бирам суқ, бирам ифлоски болалари», деганини эшитиб, бормади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЕРИЛМАЖОН *айн.* **керилмачоқ.**

КЕРИЛМАЧОҚ *с. т.* Доим керилиб мақтанадиган, ўзига бино қўйган. *Керилмачоқ одам.* ▬ *Роҳила.. керилмачоқ йигит билан от чопишиб кўришга рухсат сўраган эди, капитаннинг бароқ қошлари чимирилди.* А. Муҳитдин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

КЕРИЛМОҚ 1 Кермоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Абдулвоҳид, гўё бошидан совуқ сув қуйгандек, сесканиб кетди, қирра бурнининг катаклари керилди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма* Мақтанмоқ, ғурурланмоқ, талтаймоқ. *Султонов энди ҳар қанча керилса, кўкрагини баланд кўтарса арзирди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ишни дўндириб қўйиб керилингки, бошқалар қойил қолсин-да.* «Муштум».

КЕРИШМОҚ 1 Кермоқ. фл. бирг. н.

2 Увушиб қолган аъзони ўз ҳолига келтириш учун гавда ва қўл-оёқни чўзиб ҳаракатлантирмоқ, кермоқ. *Уйғонгандан кейин ҳузур қилиб бир керишди.* ▬ *Оқшом салқинидан увушган танасини ҳаракатга келтириш учун керишаётган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб: -Кетдикми, Деҳқонбой! – деди.. бир жангчи.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Алиохун ўрнидан туриб, кенг, сертук кўкрагини қавартиб керишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *шв.* **керилмоқ 2.** *Бекор керишганлар аҳмоқ бўлади.* «Алпомиш».

КЕРКМОҚ Бир оз кўпчиб кўтарилмоқ (юз, қовоқ ҳақида). *Қовоғи керкибди.*

КЕРМОҚ Икки томонга тортиб, орасини очмоқ, йирмоқ. *Маҳкам ака ботинкани қўлига олиб, дастасини кериб берди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Беғубор осмонда бир калхат қора қанотларини кериб, бўйнини чўзиб, аланглаб юрибди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

Кўкрак кермоқ *қ.* **кўкрак. Қошини кермоқ** 1) қошини кўтармоқ; 2) таажжубланиб қарамоқ. *Қудратнинг дами ичига тушиб кетди, қошини кериб, жавоб кутиб турган Колянинг афтига тик боқолмади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 3) *кўчма* менсимай қарамоқ; мақтанмоқ. *Керма, манманлик билан, ўрнида турган қошни.* Чустий.

КЕРОГАЗ Иситиш, қайнатиш, овқат пишириш учун мўлжалланган, керосин буғи билан ёнадиган асбоб. *Толибжон кетган шекилли. Йўқса, аллақачон бу ерда чироқ ёқилган, керогазда шўрва ёки бирон егулик қайнаб турган бўларди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Мен икки кило гўшт.. битта керогаз, беш литр керосин оламан.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

КЕРОСИН [*ингл.* kerosene < *юн.* keros – мум] Ҳайдаш йўли билан нефтдан олинадиган ўткир ҳидли суюқ ёнилғи. *Ўчоқ бошида керосин билан шишасиз ёнаётган жинчироқни ташқари олиб чиқди.* С. Айний, Қуллар.

КЕРОСИНКА [*р.*] Иситиш, қайнатиш, овқат пишириш учун мўлжалланган, керосин билан ёнадиган пиликли асбоб. [*Сотувчи*] *Т. Тожиев, Исматовларга икки пиликли керосинкани 10 сўмдан қимматга пуллади.* «Муштум».

КЕРТИК 1 *айн.* **кемтик.** *Пиёланинг кертиги.*

Кертик қилмоқ Синдириб, учириб олмоқ. *Домлани кўз қирлари билан кузатган ҳолда, бўйрачўпнинг бир ёнидан жиндек кертик қилиб, «қўчқор» ясадилар, сўнг иккови «қўчқор» уриштира бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Арра тиши каби ўсиб, чиқиб турган икки аъзо ўртасидаги кемтик жой. *Барг кертиги.*

КЕРТМОҚ Қирқиб, чопиб майдаламоқ. *Укроп кертмоқ. Отга беда кертиб солмоқ.* ▬ *Собир ака ёнидаги паккисини олиб, баргни қуртга мослаб керта бошлади.* Газетадан.

КЕСАК 1 Қотган, қуриган лой бўлаги. *Ичкаридан ҳам чертиш товуши эшитилгандан кейин, ердан бир кесак олиб, деразага катта ҳарф билан «мен» сўзини тескари ёзди.* С. Айний, Қуллар. *Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб, мулла Норқўзига ўқталди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

Текканга тегиб, тегмаганга кесак отади Дуч келганни хафа қилаверадиган, ҳеч кимга тинчлик бермайдиган, уришқоқ, безори.

2 *шв.* Гувала. *Кесак қаламоқ. Кесак девор.*

3 *кўчма* Ҳис-туйғуси йўқ, ҳушсиз; ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган (кесакка нисбат берилади). -*Қиз билан бошлашиб,* [*Қосимовнинг*] *уйига кираман, жиғига тегаман, қани, рашк ўти бормикан вужудида. Агар ғирт кесак бўлса, ўзидан кўрсин, – деди Аҳмад.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. -*Ёрмат, одаммисан, отамисан! – деб бақирди элликбоши, – ўл, кесак!* Ойбек, Танланган асарлар.

Кесак бўлиб қолмоқ Ҳис-сезгиси, ҳуши йўқолиб қолмоқ; қотиб қолмоқ. *«Отиб ўлдириш» сўзини эшитган Азизий курсига суялганича кесак бўлиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Кесакдан олов (***ёки* **ўт) чиққандек** Бўлмаган, бўлиши мумкин эмас иш юз бергандек. *Кесакдан олов чиққандек, умрида ашула айтмаган Абдуваҳоб бирдан: «Фарзанд керакдир йигитга!» – деб хиргойи қилди-ю, ҳўнграб йиғлайверди.* «Муштум». *Кесакдан ўт чиқди, деб «Тескари» амаки ҳам хурсанд.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қоронғи уйга кесак отгандек** Фойдасиз, беҳуда. *Бунга [меҳмонга] гап уқтириш қоронғи уйга кесак отгандек гап эди.* А. Қаҳҳор, Думли одамлар.

КЕСАКИ Эшик ёки дераза ўрнатиладиган чорчўп. *Болтабой, кўзларида жиққа ёш билан эшикнинг кесакисига беҳол суяниб қолган Саодатни кўриб, юрак-бағри эзилди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Ҳой, бировнинг эшигини бевақт тақиллатма, нақ ўзингникини кесакиси билан кўчириб ташлайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КЕСАКЛАШМОҚ 1 Қотиб, қуриб, сувсизланиб, кесакка айланмоқ (лой, тупроқ, экин ери ҳақида).

2 *кўчма.* Сезмайдиган, ҳиссиз (кесак) бўлмоқ. *Ниҳоят, оёғидан совуқ ўтиб, кесаклаша бошлагач, орқасига қайтмоқчи бўлди.* В. Ғофуров, Вафодор.

КЕСАТИҚ Қочирим билан, пардалаб масхаралаш, кулиш ёки камситиш; истеҳзо, пичинг. *Элмуродга қизнинг сўнгги «сиз ҳали хафа бўлдингизми шунга?» дегани нечукдир кесатиқдай туюлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Ҳаммасини йиғиштириб, сизга берган! — Абдусамат аканинг бу кесатиғи Тўхтасиновни яна тутақтириб юборди.* М. Мансуров, Ёмби.

КЕСАТМОҚ Қочирим сўз, гап, оҳанг билан масхараламоқ, истеҳзо, пичинг қилмоқ. [*Хонзода:*] *Ғофиржоннинг ошиғи олчи! Хотин орқасидан бой бўляпти!* [*Ғофир:*] *Аяжон, кесатманг! Ўртанган юракка сиз ҳам туз сепманг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

КЕСИК Кесилган. *Азизбек мудофеларнинг саломларига жавоб қайтаришни ҳам унутиб, кўзини кесик бошларга тикди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *«Қоплон!» десагина, кесик думини ликиллатиб, югуриб келади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

Тили кесик Гапиролмайдиган ҳолатни, миқ этмасликни билдиради. *Ҳамманинг тили кесик, фақат шипга осилган беданалар уринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕСИМ 1 Кесилган бўлак (карж, бурда ва ш. к.). *Бир кесим нон.* ▬ *Ҳаёт эса қимтиниб, тортиниб, онда-сонда бир кесим қовун олади-да, бир тишлаб, яна коса четига қайтариб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жек ҳамон тумшуғини чўзиб, кўзлари мўлтираб ётар, олдидаги сирли косада турган колбаса кесимларига қарамасди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

2 *тех.* Бирор жисмни текислик билан кесиш натижасида ҳосил бўладиган юза. *Цилиндрнинг кўндаланг кесими доирадир.*

3 *тлш.* Гапнинг бош бўлакларидан бири; гапнинг асосини ташкил этиб, эга ифодалаган шахс, предмет ва ҳодисанинг ҳаракатини, ҳолати ёки белгисини билдирувчи бўлак.

КЕСИШМОҚ 1 Кесмоқ фл. бирг. н. *Куртга барг кесишди.*

2 Йўналишда бир-бирига дуч келиб, тегиб ўтмоқ (йўл, чизиқ ва ш. к. ҳақида). *Параллел чизиқлар кесишмайди.* ▬ *Йўллар кесишган жойда ногоҳ катта машина тўхтади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

КЕСКИН 1 Узил-кесил тарздаги, қатъий. *Кескин мулоҳаза. Кескин эътироз. Кескин жавоб бермоқ.* ▬ *Султон Али Мирзо Хўжа Яҳёга қарши кескин чора кўролмайди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Армани уста қора лавҳадаги сўзларни ўчириб, қайта ёзишдан кескин бош тортди.* Н. Аминов, Суварак. *Жуман жуда кескин гапирмасдан, фикрларини эҳтиёт билан, мулоҳаза шаклида айтишга қарор қилди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Жиддий ва тубли тарзда. *Тартибни бузишлар кескин камайди.* ▬ *Шўрланган тупроқлар қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини кескин пасайтириб юбориши ҳаммага маълум.* Газетадан. *Ёш келин-куёв орасида аввалги хаёлий орзу билан ҳозирги аҳволнинг кескин фарқидан келиб чиққан нохуш бир мураккаблик борлигини Ойша бегим ҳам пайқар ва.. ич-ичидан изтироб чекарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ҳал этилиши оғир, катта куч ва эҳтиётлик талаб этувчи; жиддий; ҳал қилувчи. *Абдурасул кескин курашга тайёрланиш кераклигини тушунди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Тез юз берувчи ва кучли, шиддатли, қаттиқ (овоз, шамол ва ш. к. ҳақида). *Йўлчи кўчага чиқиши билан кескин совуқ шамол қулоқларида ғувиллаб, игнадай ўткир, майда қор парчаларини унинг юзига урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *рвш.* Жуда тез; бирдан, шартта. *Ўктам ўзини чўл хўжайини сезиб, тевараккa қарчиғай боқиш билан аланглаб, отини истаган ёққа кескин бурар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Исломхўжа кескин бурилиб, фойтунга қараб юрди.* С. Сиёев, Аваз.

КЕСКИНЛАШМОҚ Ҳал этилиши қийинлашмоқ, мураккаблашмоқ, кескин тус олмоқ; жиддийлашмоқ; зўраймоқ. *Вазият кескинлашди. Кураш кескинлашмоқда.* ▬ *..ҳар икки тараф ўртасидаги вазият тобора кескинлашиб борарди.* К. Яшин, Ҳамза. [*Кумуш*] *Ўн беш кун ичидаёқ бунча кескинлашган Зайнабнинг ички адоватининг бир ойда қайси даражаларга бориб етишини ўйлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЕСКИНЛИК 1 Жиддий, кескин ҳолат, хусусият. *Унинг феълидаги кескинлик.. кўплар муҳаббатини ўзига тортган эди.* Мирмуҳсин. Умид.

2 Оғир оқибатларга, тўқнашувга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб, оғир ҳолат, зиддият. *Халқаро муносабатлардаги кескинлик анча юмшади.*

КЕСКИР 1 Яхши кесадиган, тиғи ўткир. *Сарғиш суяк сопли кескир пичоқ унинг кўз*

ўнгидан ўтди. С. Анорбоев, Оқсой. *Остингда юз алвон ўйнайди отинг, Белингда ярқирар кескир пўлатинг.* «Алпомиш».

2 *кўчма.* Шу белгига нисбатни билдиради; ўткир. *Ўткир кўзи муштумзўрнинг бағрин санчардай, Кескир сўзи синфий кўрнинг қалбин янчардай.* Миртемир. *Йигитларнинг қараши кескир, Қайтаради қилич дамин ҳам.* М. Али, Гумбаздаги нур.

КЕСКИЧ *тех.* Қаттиқ нарсаларни, мас. тош ёки металл буюмларни кесадиган, қирқадиган асбоб. *Бугунги кунда олмос — пармадир, кескичдир, подшипникларнинг таркибий қисмидир.* «Фан ва турмуш». *Бунга топилган сон-саноқсиз ҳар хил шаклдаги қирғич, кескич асбоблар далил бўла олади.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

КЕСМА 1 Кесиб, қирқиб тайёрланган, ажратиб олинган. *Кесма милтиқ.* ▬ *Бир оздан кейин шоир.. иккита нон ва жуда нафис ишланган гулдор лаганчада кесма ҳалво олиб чиқди.* Ойбек, Навоий. *Дастурхон ёзиб.. икки коса кесма ош олиб чиқди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 *мат.* Тўғри чизиқнинг икки нуқтаси орасидаги ва шу нуқталарни қўшиб ҳисоблагандаги қисми.

КЕСМОҚ 1 Тиғ билан танаси, этини тилмоқ, тилиб ичига кирмоқ. *Бетини устара кесмоқ. Товонини шиша кесмоқ.* ▬ *Қўлингизга нима қилди, Шокирбек? — Пичоқ кесиб кетди.. — Ёмон кесдими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Тиғли асбоб билан бўлакларга ажратмоқ, бўлакламоқ; қирқмоқ. *Нонни кесмоқ. Қовунни кесмоқ. Қазини кесмоқ.* ▬ *Ҳар вақт мақтайдиган пичоғини қинидан суғуриб, тарвузни кесди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Зиёдахон шитоб билан угра кесар экан, унга* [*Сидиқжонга*] *бир қараб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Ортиқча, кераксиз қисмни тиғ билан олиб ташламоқ. *Ток кесмоқ. Гул кесмоқ.* ▬ *Одатда, кучук боланинг қулоғини, думини кесишади. Чунки бунинг уларга фойдаси бор.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Чўлоқ бўлиб юртимга қайтганимдан қайтмаганим бироқ эмасми?. Қарорим шу: оёғимни кесмайсизлар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Оғриса ҳам, ярани ўз вақтида кесиб ташлаган яхши.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

4 Канал, йўл ва ш. к. қуриш учун ёки ер очиш мақсадида баландликни ковлаб, қазиб, ёриб, орасини очмоқ. *Адирни кесиб, йўл қурмоқ.* ▬ *Оқбўра олислик қилса, тоғни тешиб ўтирмай, кесиб ўтказардик* [*сувни*]. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 *кўчма* Бирор жойнинг ўртароқ қисмидан, орасидан тиккалаб йўл олмоқ, йўналмоқ. *Ҳуши ўзига келган Бўта, бировнинг қўрғонига бемаҳал мўралаб турганидан хижолат бўлиб, толзорни кесиб, орқасига қайтди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Булар* [*жангчилар*] *шағал тўкилган катта йўлни кесиб ўтиб, адирга томон чиқиб кетаётганда, ботаётган қуёшнинг ҳорғин нури рўпарадаги қорли тоғ чўққисини.. бир лаҳза қизартирди-да, сўнди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

6 Баданга (унинг бирор аъзосига) қаттиқ таъсирини ўтказмоқ (асосан, совуқ ҳақида). *Кучли изғирин.. қулоқларни кесади, совуқдан оёқларнинг бармоқлари увушади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кейин Йигитали, баданларини сув кесиб юборди шекилли, эринибгина қирғоққа чиқиб.. чалқанча тушиб ётди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

7 *кўчма* Орага луқма ташлаб, гапни бўлмоқ, тўхтатмоқ. *Йўлчи ҳали гапини битирмаган эди, Мирзакаримбой уни кесди: -Бир терининг ичида қўй неча озиб, неча марта семиради, — деди салмоқланиб бой.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 *с. т.* Белгиламоқ (мас., нархни). *Улгуржи савдогарларга сотиладиган молларнинг нархини Ҳожи Ҳамдам кесиб берарди.* М. Осим, Элчилар.

9 *с. т.* Жазога ҳукм қилмоқ. *Суд ўғрини беш йилга кесди.* ▬ [*Амаки Фотимага:*] *Энди эшикдан бир қадам нари жилма, пичоқни тўрт жойингга ураман.. Кейин, майли, ҳукуматинг мени кесадими, осадими, нима қилса қилаверсин!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Прокурор, отиб ўлдирилсин, деган эди, суд.. етти йилга Сибирга кесди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

10 *кўчма* Пасайтирмоқ, қайтармоқ, йўқ қилмоқ. *Кун мисдай қизиб кетган, фақат адир ва сойлардан келган шабада куннинг тафтини кесиб, одамларга ором бериб турмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Аччиқни аччиқ кесади дегандек, дадасининг бу сўзлари ташқаридаги совуқни кесди шекилли, Сувонжон эшикни куч билан очиб, ўзини бўроннинг қучоғига отди.* С. Анорбоев, Оқсой.

11 *этн. кам қўлл. айн.* **кестирмоқ 2.** *Лекин маҳалламизда газета ўқийдиган бир*

«шумтака» бор, у ҳароми: -Султонбекдек бир давлатманд ўз ўғлини мавлуд тўйи билан кесди, деб газетага ёзаман, — дейди. Ойбек, Танланган асарлар.

Бир кесар Бир марта айтадиган, айтганини қиладиган ёки қилдирадиган, бир сўзли. *-Жуда бир кесар экансиз-ку! — Қобиловнинг сўзини бўлди Фармонқул ака.* С. Махкамов, Дала тонги. **Йўлни кесмоқ** Тўсқинлик қилмоқ, ғов бўлмоқ. *-Фақат тоғни тешиб чиқарасанлар, — деб ҳоким йўлимизни кесиб қўйди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тутган жойини (***ёки* **жойидан) кесмоқ** Ўта ўжарлик қилмоқ, айтганида туриб олмоқ. *..Зулфия Зияева ҳам мана шунақа, тутган жойини кесадиганлардан.* «Муштум». *Отаси ўз билганидан қолмади, онаси тутган жойини кесди.* И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор? **Қўлини кесмоқ** *кўчма* Ёрдамчисидан (имкониятидан) маҳрум қилмоқ. *Бу ғамлар етмагандай, унинг ягона кўмакчиси бўлган шогирдини яқинда бошқа бир уста айнитиб олиб, бечора чолнинг қўлини кесди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕСТИРМОҚ 1 Кесмоқ фл. орт. н. *Чол ёш дарахтни кестирмади. Гулни кестирмоқ. Нархни кестирмоқ. Беш йилга кестирмоқ.*

2 *этн.* Хатна қилдирмоқ. *Бир куни акам ўғлини кестирди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

КЕТ 1 Бош (олд) га қарама-қарши томон; орқа қисм, орқа томон; орқа. *Машинанинг кети.*

2 Одам танасининг белдан пастки орқа қисми. *Отилмаган сопқон ҳам бошга тегар, ҳам кетга.* Мақол.

3 (*3-ш. эгалик шаклида*) Чўзиқ, давомли нарсаларнинг тугайдиган жойи; поёни, охири. *Комила Ўктамни дастлаб катта боққа олиб кирди. Кети кўринмаган мевали дарахтлар қатори таажжубланарли гўзал эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дада, осмон теги жуда ҳам кенг-а? Унинг энг кетига ҳеч ким борганми?* Қ. Муҳаммадий.

4 (*3-ш. эгалик шаклида*) Охири, оқибати, натижаси. *Ўқиш — жафоли, кети — вафоли.* Мақол. ▬ *Уч-тўрт кундан буён булут аримайди. Кети ёмон бўлади, шекилли.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ўйланмаган ишнинг кети пушмондир.* «Нурали». *Бирни учга сотишнинг кети бўлар вой.* «Муштум».

5 Нарса ёки кимсанинг юз, бет, олд томонига қарши томон; орт, орқа. *Кетга сурмоқ.* ▬ *-Ота.. — деди Майна ўзини кетга ташлаб.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

6 3-ш. эгалик ва ж. к., ў. -п. к. ва ч. к. шаклларида **(кетига, кетида, кетидан)** кўмакчи вазифасида ишлатилади ва шу келишик шаклларига хос макон, вақт муносабатларини ифодалайди. *Сидиқжон унинг кетида турган онасига қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Иссиқ чой олиб келди. Кетидан овқатга уннади.* Ҳ. Назир, Ёнар тоғ. *Ҳаял ўтмай Аҳмедов, унинг кетидан Ўрмонжон билан Иброҳимов, Зокир ота кириб келишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Кетига тушмоқ Пайидан бўлмоқ, таъқиб қилмоқ. *Полиция изқуварлари менинг ҳам кетимга тушди.* М. Мирҳодиев, Унутилмас лавҳалар. **Кетидан қувмоқ** Бирор нарсага етишиш илинжида (ҳаракатида) бўлмоқ. *Шуҳрат кетидан қувдим, сўз айтдим баландпарвоз.* «Муштум».

КЕТВОРГАН *с. т.* Ҳар томонлама келишган, жуда чиройли; жуда яхши. *Кетворган қиз. Кетворган йигит.* ▬ *-Ярашибдими? — Майна жилмайганича, ўзини тик тутганча, ундан сўради. -Кетворган, — деди Мадёров ва энгашиб, Майнанинг гимнастёрка елкаларидаги уч бурчакли қизил белгичаларни текширди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Орадан уч йил ўтиб, кучук бола жуда кетворган ит бўлди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

КЕТГУТ [*ингл.* catgut — сим, тор; ип] *тиб.* Қўй, эчкиларнинг ингичка ичакларидан тайёрланган ва жарроҳликда ички чоклар учун қўлланадиган ип(лар).

КЕТМА-КЕТ *рвш.* **1** Бир-бирининг давомидан, узлуксиз. *Имтиҳон бошланади. Ҳар томондан кетма-кет саволлар туша бошлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *-Тавба қилмайман! — деди Тошмат, кетма-кет тушаётган калтак зарбларидан инграб.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Изма-из, орқама-орқа, кетидан. *Отабек Ойбодоқ билан кетма-кет ичкарига кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳозир изингга қайт, орқангдан мен ҳам кетма-кет етиб бораман.* К. Яшин, Ҳамза.

КЕТМОН Юзи катта, орқа томонида даста суқиб қўядиган зўғатаси бор, ер чопиш, лой қилиш ва б. ишларда ишлатиладиган дастаки асбоб. [*Йўлчи*] *Катта кундаларнинг теварагини кетмон билан чопишга бошлади.* Ой-

бек, Танланган асарлар. *Рўзимат кетмонни зўғатасигача ботириб урди-ю, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КЕТМОНЛАМОҚ 1 Бир ишни кетмон билан қилмоқ. *Бултур кузда ўн беш сўтих томорқанинг ҳаммасини бир ўзи кетмонлаб чопди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Бўтабой ариқ четларидаги ўтларни кетмонлаб сидирди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *шв. кам қўлл.* Кетмон билан чопиб ўлдирмоқ. *Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Кетган келади, кетмонланган келмайди.* Н. Ёқубов, Жон.

КЕТМОНЧИ 1 Кетмон ясовчи. *Кетмончиларнинг энг катта деб билган ўн қадоқли кетмонлари ҳам мулла Обидга ёқмади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Кетмонда (кетмон билан) ишловчи, кетмонда қилинадиган ишларни бажарувчи шахс. *Ким билан ковлайман бу канални. Канал ковлайдиган кетмончиларимни олиб кетишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КЕТМОНЧИЛИК 1 Кетмон ясаб сотиладиган жой. *Буларни сотгандан сўнг кетмончиликка бориб, каттароқ бир кетмон излайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Кетмон билан бажариладиган иш, кетмон иши... *подачиликми, кетмончиликми, қандай иш бўлса ҳам, майли.* И. Раҳим, Ихлос.

КЕТМОҚ 1 Ўз турган жойини тарк этмоқ, ўз турган жойидан бошқа томонга йўл олмоқ; бормоқ. *Бу ердан ҳеч ёққа кетмайман. Келмоқ ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан.* Мақол. ▬ [*Йўлчи:*] *Унсин, бу оила қандай? Кетасанми ё бу ерда қола турасанми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар ораларингизга совуқчилик тушадиган бўлса, сен ўчакишиб юрма, яхшиси.. бу уйдан кетиш ҳаракатини қил!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Меҳмонлар уч кун туриб, кетишди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Гулнор, қишлоқдан кетиб, чўлда ўрнашиб олсак, қулоғим тинчир, деб ўзини ўзи юпатди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Бирор машғулот, хизмат ёки вазифани тарк этмоқ, ташламоқ. *Ишдан кетмоқ. Ўқишдан кетмоқ.* ▬ *Сендай ақли расо, тушунадиган одам бўлса, заводдан кетмас эдим.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Хотинингизни нега ташлаб кетганингизни айтинг.. Ярашасизми ё институтдан кетасизми, шуни айтинг.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Тамом бўлмоқ, тугамоқ, ўтмоқ (вақт ҳақида). *Бўлинглар, вақт кетяпти. Вақтинг кетди — бахтинг кетди.* Мақол. ▬ *Шундай роҳат турмушимиздан, шундай ширин умримиздан дарров бир йили кетдими! Оҳ, дод дейман.* А. Қаҳҳор, Нутқ.

4 Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ, аримоқ. *Далалардан қор кетди. Кийимнинг доғи кетмади.* ▬ *Ҳасрат тугагандан сўнг, Отабекнинг юзидаги бояги ярим жиддийлик кетиб, унинг ўрнини ўйчанлик олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қадаҳ тўхтаб қолди. Суҳбатдан нечукдир файз кетди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Кун бўйи қулоқлари остидан жуда ғалати.. олис-олисларга чорловчи ажиб бир мусиқа кетмади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

5 *кўчма* Оламдан ўтмоқ; ўлмоқ. *Мен ўн бешга кирганда, аям ўлди. Ҳали қирққа бормаганди. Ёш кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Минг мартаба шукур бўлсин парвардигорга, Мендан рози кетган экан қиблагоҳларим.* А. Орипов, Жаннатга йўл.

6 Сарф бўлмоқ, ишлатилмоқ. *Йўл харажатига ҳаммаси бўлиб эллик сўм кетди. Бу ишни бажаришга кўп вақт кетади. Рўзғорга кетадиган нарсалар.* ▬ *Куч кўп кетади, лекин экинлар ичида бундан* [*пахтадан*] *сердаромади йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 *с. т.* Ўтмоқ, сотилмоқ, пулланмоқ. *Тез кетадиган мол.* ▬ *Хуллас, ер жуда арзонга кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 Муайян мақсад ёки сабаб билан бирон жойга, иш-фаолият ва ш. к. жойга томон йўл олмоқ; жўнамоқ. *Қишлоққа кетмоқ. Армияга кетмоқ. Ишга кетмоқ. Тўйга кетмоқ.* ▬ *Кунига оқшом тушса, Мартиндан қўрқиб, кўчага чиқмай, тузсиз макарон чайнаб юргунча, шаҳримга кетаман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ширмонжон она шу аҳволда тонг оттиради-ю, яна далага теримга кетади.* С. Зуннунова, Олов.

9 Давом этмоқ; бормоқ, бўлмоқ. *Имтиҳон кетяпти. Мажлис кетяпти.* ▬ *Ўрмонжон, одатда, иш сустроқ ёки ёмонроқ кетаётган участкаларга борар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Агар биз ернинг долигулига келишини кутиб ўтирсак, вақтдан ютқазадиганга ўхшаймиз, ҳаво шундай кетавермас* [*деди бригадир*]. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

10 *кўчма* Иш-фаолиятнинг бирор соҳаси, йўналиши билан бормоқ, давом этмоқ. *Акаси учувчи эди, укаси ҳам унинг орқасидан кетди. Бола отаси изидан кетиб, ўқитувчи бўлди.* ▬ *Бутун оиласи бу ерга резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб, «пул» қилишга тиришар эди. Абдишукур бу йўлдан кетмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

11 Тарқамоқ, бориб етмоқ (овоза, довруқ ва ш. к. ҳақида). *Шуҳрати бутун дунёга кетди.* ▬ *Аммо номи тилдан-тилга ўтиб, бутун фронтга довруғи кетган бу қизнинг ўйида фақат Нормат кечарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Унинг таърифи узоқларга кетган.* Т. Ашуров, Оқ от.

12 *с. т.* Ишдан чиқмоқ (мас. синмоқ, ёрилмоқ, йиртилмоқ каби маъноларни ифодалайди). *Шимим тиззасидан кетди.* ▬ *Араванинг тагидан деҳқоннинг аянчли товуши эшитилди: -Ўқи кетибди, иш пачава.* Ойбек, Танланган асарлар.

13 *с. т.* Ярашиб тушмоқ (кийим ҳақида). *Бу костюм сенга жуда кетибди.*

14 Истеъмол қилинмоқ, еилмоқ ёки ичилмоқ; ўтмоқ. *Иссиқ кунда палов унча кетмайди.* ▬ *-Чучварадан кейин чой жуда яхши кетади-да, — деди Боқижон Бақоев, юзидаги терни артиб.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

15 *с. т.* (асосан бўлишсиз шаклда — **кетмайди**). Қўшилмаслик, маъқул эмасликни билдиради. *-Ҳим, оқсоқол мажлисни қадимги замон усулида тарафкашликка айлантирмоқчи экан-да. Кетмайди, — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи.

16 Сиғмоқ, жойланмоқ. *Бу самоварга уч литр сув кетади. Залга икки юз киши кетади.*

17 *кўм. фл. взф.* Равишдошнинг **-(и)б** ёки **-а/-й** қўшимчали шаклларига бирикиб, ҳаракатнинг тугал, тўсатдан, давомли бажарилиши каби маъноларни билдиради. *Қизариб кетмоқ. Ғовлаб кетмоқ. Чарчаб кетмоқ. Қўрқиб кетди. Машина бирдан ғувиллаб юриб кетди. Ўз мақсадини тушунтира кетди. Йўрғалай кетди.*

Беш кетмоқ *қ.* **беш. Сув текин кетди** Жуда арзонга сотилди. **Ўзидан** (*ёки* **ҳушидан**) **кетмоқ** Ҳушини йўқотмоқ, ҳушсизланмоқ. *-Ҳушимдан кетиб қолдим, кейин нима бўлганини билмайман, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Зил кетмоқ** Ичдан эзилган ҳолатга тушмоқ. *Натижада ютуқларимизни кўролмай, ич-ичидан зил кетаётган душманларимиз шармандаю шармисор бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Муккасидан кетмоқ** Ниҳоятда берилмоқ. *У шахматга шунақанги муккасидан кетганки, агар Фарғона водийсида бу ўйинга жонини тикадиган одам иккита бўлса, шунинг биттаси — Аҳмаджонов.* «Гулдаста».

КЕТЧУП [*ингл.* ketchup < *исп.*] Помидорни қайта ишлаш ва унга турли зираворлар қўшиш орқали тайёрланадиган қуюқ қизил суюқлик (гўштли ва балиқли овқатларни хушхўр қилиш учун ишлатилади).

КЕФИР [*грузинча*] Сигир сутидан махсус томизғи билан ивитилган чучук қатиқ. *Исмоилжон ҳар куни овқатдан сўнг бир шиша кефир ичиш одатини канда қилмайди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

КЕЧ 1 Сутканинг кундуз қисми тугаб, тун қисми бошланадиган пайти, кундуз билан тун оралиғи. *Кеч кирди. Кечга яқин.* ▬ *Кеч қоронғисига чулғанаётган минбардан нотаниш бировнинг фарёди эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Кеч бўлиб қолди, бугун келмайди, — деди у.* С. Зуннунова, Гулхан. *Кечга бориб жала қуйиб, тонг отгунча момақалдироқ гумбурлаб чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кам қўлл.* Кечаси, тун. *Кундузлари булутли, Кечларида ойдин йўқ.* Ғайратий. *..Бир кеч меҳмонхонада ота-ўғил сўзлашиб ўтирганнинг устига Ўзбек ойим келиб кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *рвш.* Белгили ёки керак вақтдан кейин; белгили ёки керак вақт ўтгач. *Ҳеч бўлмаганидан кўра, кеч бўлгани яхши.* Мақол. ▬ *Бу йилги баҳорнинг кеч келиши кўпларнинг тинка-мадорини қуритди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳосилотнинг сўзига кириб, чигитни беш кун кеч экканининг алами сира юрагидан чиқмасди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 *кесим взф.* Вақт ўтди, қулай фурсат кетди. *-Бўлар иш бўлди, овора бўлманг, энди кеч. -Ҳали ҳам кеч эмас! — деди Адолат.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Темирни қизиғида босиш керак, кейин кеч бўлади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

Кеч деганда *ёки* **кечи билан** Бажариш муддати жуда чўзилиб кетган тақдирда, жуда узоққа чўзилса, узоғи билан. *Бу топшириқни кечи билан биринчи апрелгача ба-*

жариш керак. ▬ *Кеч деганда, мартнинг биринчи ярмида чигитни экиб олсак, марра бизники.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. **Кеч қолмоқ** Кечикмоқ. [*Фотима:*] *Келинг, мунча кеч қолдингиз!* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *Аҳмад кеч қолаётган эди, шунинг учун лифтни кутмай, шошилганча яёв тепага йўналди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Кунни кеч қилмоқ** Кунни ўтказмоқ, кунни (кундузни) тугатмоқ. *Иқболхон шу зайлда юз хил хавотир билан кунни кеч қилади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

КЕЧА 1 Сутканинг қоронғи тушгандан тонг отгунча ўтадиган қисми; тун. *Ойдин кеча. Қоронғи кеча.* ▬ *-Ойимни бир ойдан бери кўрганим йўқ. Бир кеча ёнида ётишни орзу қиламан, — деди енгилланиб Нури.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сидиқжон йўлга тушиш нияти борлигини айтмаса ҳам, чол.. бу кеча шу ерда қолишни, эрта саҳар йўлга чиқишни маслаҳат берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Бирор нарсага бағишланган, одатда расмий ва бадиий қисмдан иборат бўладиган кечки умумий йиғилиш. *Меҳмонлар билан вакилларнинг қизғин табриклари, хайрли тилакларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кеча охирида Ўзбекистон санъат усталари катта концерт қўйиб беришди.* Газетадан.

3 Бугундан олдинги кун. *Кеча сизни кутган эдим.* ▬ *Кеча эрталаб, шаҳарни бир айланиб келайин, деб чиқиб кетган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЕЧАГИ Бугундан олдинги кунда юз берган, маълум бўлган; олдинги кунга оид, кеча бўлган. *Газетанинг кечаги сони. Кечаги воқеа.* ▬ *Бугун эрталабки чойдан сўнг Ҳасанали кечаги фикрни чинлаб амалга оширмоқчи бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бироқ кечаги ёмғирдан чангбости бўлган арава йўлда келаётган уч йўловчининг қовоқлари негадир солиқ, одимлари негадир ишончсиз эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Яқин ўтган вақтдаги, ҳозирдан олдинги. *Ҳар бирининг кечаги ўтмишини эслаб кўрайлик-чи: бири — бойнинг подачиси, бири — руҳонийнинг.. Ҳаммалари кулфатга дучор бўлган.. болалар эди.* П. Турсун. Ўқитувчи. *Кечаги чўлқувар Мирзажон Эминов масъулиятли вазифага.. кўрсатилди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КЕЧА-КУНДУЗ, кечаю кундуз Кечаси ва кундузи, кечаси ҳам, кундузи ҳам; ҳамиша, доимо; узлуксиз равишда; тинмай. *Кечаю кундуз ишламоқ. Кечаю кундуз хаёлим сизда.* ▬ *Шакаржон ака кечаю кундуз ишлаб, тандир ясар, баъзан ҳаммолчилик ҳам қиларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *-Ҳеч хавотир олманг, — деди Давлатёр пешонасини тириштириб, — кеча-кундуз ўйлаб гаранг эдим.* П. Турсун. Ўқитувчи. [*Гулнор:*] *Ёлғизман, ғариб-бенавоман, лекин кўнглим сизда.. Кеча-кундуз ёдингиз билан яшайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

Шу кеча-кундуз(да) Шу кунларда, ҳозир ўтаётган кунларда; ҳозирги вақтнинг ўзида. *Шу кеча-кундузда пахтадан кўра китоб зарур эканми?* Н. Сафаров. Узоқни кўзлаган қиз. *У киши шу кеча-кундуз миллат ғамида югур-югурдан бўшамай қолдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

КЕЧАЛИК Кечаси бўладиган; кечасига, тунга оид. *Тўғри, дада! Қўйни эртароқ сўйиб, саранжом қилганингиз яхши. Кечалик иш қурсин.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Тожибой:*] *Ундан кейин, шунча машаққатларнинг устига, бир кечалик бир машаққатни ҳам устингизга оласиз.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

КЕЧАСИ 1 Сутканинг қоронғи тушгандан тонг отгунча бўлган қисми; кеча, тун. *Қиш кунлари кечаси узоқ, кундузи қисқа бўлади. Янги йилга ўтар кечаси. Кечаси билан қор ёғди.* ▬ *Бийрон тилдан сўз оқар равон: «Ада, нега кечаси узоқ?»* Ё. Мирзо.

2 *рвш.* Сутканинг кеча, қоронғи қисмида; тунда. *[Ўрмонжон:] Яхши ухлаб турдингми, кечаси келсам, ухлаб қолган экансан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КЕЧИК Дарё, кўл кабиларнинг кечиб ўтиладиган жойи. *Биров сув тополмайди ичгани, биров кечик тополмайди кечгани.* Мақол. ▬ *Улар [отлиқлар] кечик ер топиб, дарёдан от суздириб ўтишди.* М. Осим, Ўтрор.

КЕЧИКМОҚ 1 Керакли ёки белгиланган вақтдан кейин келмоқ, кейин бормоқ; кеч қолмоқ. *Ишга кечикмадингизми?* ▬ *У ҳозир хотинининг.. нега бунча кечикдингиз, деган сўроғини кутар* [*эди*]. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Севикли куёвини йўлакда кўрган Офтоб ойим.. кечиккани учун нечоғлиқ ташвишлар тортиб ва қандоғ тушлар кўрганини [Отабекка] лаби-лабига тегмай сўзлай кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Белгили муддатдан кейинга қолмоқ, ўз вақтида бажарилмаслик. *Таъмир ишлари*

бу йил бир оз кечикди. ■ *Кечикиб экилган ғалла ҳам, чигит ҳам, Матқовулнинг кейин берган ишловларига қарамай, яхши унум қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *с. т. кам қўлл.* Кеч бўлмоқ, кеч кирмоқ. *-Беда ўриб қўйиш керак эди-ку, — бошини қашиди Ёрмат. — А, кун ҳам кечикиб қолибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЧИНМА *(асосан кўпл. шаклида)* Кишининг руҳий ҳолатига таъсир қиладиган ҳис-туйғулар, ўй-хаёллар. *Ёқимли кечинмалар. Қайғули кечинмалар.* ■ *Гулнор кўркам сочларини тузатиб.. чиройли туш каби енгил ва тотли кечинмаларга, ўйларга берилиб ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЧИРИМ 1 Афв этиш; узр. *У эрининг юзига кечирим сўрагандек тикилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қобил Комилович аста қайрилар экан, укасининг кечирим сўраётгандай, мулойим тикилишини кўрди-ю, дили ёришди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 *ҳуқ.* Афв этишнинг хусусий шакли; давлат бошлиғи томонидан жиноий жазонинг бекор қилиниши ёки юмшатилишидан иборат хусусий афв. *Кечирим якка тартибда муайян шахсга нисбатан қўлланади.* «ЎзМЭ».

КЕЧИРИМЛИ 1 Кечириш мумкин бўлган, кечирса бўладиган. *Одилжоннинг бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракати.. кечиримли, узрли эди. Бироқ бу найранги тутадиган тутумга тўғри келмасди.* «Ёшлик».

2 Кечирадиган хусусиятга эга; кечирувчи. *Ўзбек халқи жуда кечиримли халқ.*

КЕЧИРМОҚ 1 Кечмоқ фл. орт. н. *Сув кечирмоқ. Хаёлидан кечирмоқ.*

2 Афв этмоқ, гуноҳ, хато ва ш. к. ни ўтмоқ. *Яхши ёзолмаганингни кечириш мумкин, лекин яхши ёзишни истамаганингни кечириш мумкин эмас.* Газетадан.

Бошдан кечирмоқ Ўз ҳаётида кўрмоқ, тажрибадан, синовдан ўтказмоқ, билмоқ. *Саид Жалолхон бошдан кечирганларини инқиллай-инқиллай ҳикоя қилиб берди.* А. Қаҳҳор, Башорат. **Кун кечирмоқ** Яшамоқ. *Ерсиз, от-уловсиз қишлоқнинг кун кечириши — ўлим азоби.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўздан кечирмоқ** Бирма-бир кўриб чиқмоқ, текширмоқ.

КЕЧКИ 1 Кечга оид; кечқурун бўладиган. *Кечки пайт. Кечки шабада.* ■ *Ё кечки салқин билан, ё эртага эрталаб шаҳар ҳовлига [беда] олиб тушаман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшелон ошпазлари кечаси овқат пиширмаслик ва кечки овқатни ҳам кундузи пишириб қўйиш ҳақида буйруқ олдилар,* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Иш-фаолияти тунда бўладиган; тунги. *Кечки смена. Кечки ва сиртқи бўлимлар.* ■ *..янги ўқув йилидан кечки мактабга борадиган бўлдик.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Кеч пишадиган, кеч экиладиган. *Кечки узум. Кечки ўрик. Кечки бодринг. Кечки картошка. Кечки экиннинг хатари бор.* Мақол. ■ *Куз ҳавоси илиқ эди. Кечки гуллар очилиб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КЕЧКИРМОҚ Кеч бўлмоқ, кечга яқинлашмоқ. *Қиш кунлари қисқа бўлади — бирпасда кечкиради.* ■ *-Бугун қолинг, кун кечкирди, эртага ўзим арава топиб жўнатаман, — деди [Сидиқжон].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КЕЧЛАТИБ Кеч киритиб; кечқурун. *Азимжонга айт, кечлатиб бораман.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КЕЧЛИК Кечки овқат. *Улар масжиддан шомни ўқиб киргач, ичкаридан Ойбодоқ кечлик олиб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Меҳри опа кечликка барвақт уннади.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда. *Бор, ўт юлиб кел, сигирнинг кечлигига ҳеч нарса йўқ.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

КЕЧМИШ 1 Ўтган, бўлиб ўтган (асосан пайт, замон ҳақида). *Шамолдек кечмиш йиллар унинг [Гулчеҳранинг] чиройига чирой қўшган.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *У ҳозир болаларнинг шўх, жонли, қайноқ ўйинларини томоша қилади. Ўзининг кечмиш болалиги, қишлоғи, ўртоқлари ёдига тушади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўтган ҳаёт, ўтмиш. *Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ, Илғай олмас барчасин кўзим.* А. Орипов, Руҳим. *Чол яна бошлади ҳазин достонин, Кечмишда оқизган кўз ёши — қонин.* Ғайратий.

КЕЧМОҚ 1 Бирор нарса устидан босиб (ботиб) ўтмоқ, юрмоқ. *Қор кечмоқ. Лой кечмоқ.* ■ *Қаҳратон қишда яланг оёқ муз босиб, саратонда қизғин қум кечиб, иссиқда, совуқда обдан пишган бизнинг йигитни [Йўлчини] ҳам, катта масофани пиёда босгани учунми, кун хила бетоқат қилган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўрвасини апил-тапил елкасига илди-да, шахдам қадамлар билан тупроқ кечиб йўлга тушди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Юз бермоқ; содир бўлмоқ. *У [Қоратой] бойнинг уйида кечган воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун Шокир отанинг кампирини тайинлаган.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Қодиров] сўзлаш учун ўрнидан тургандаёқ, юрагида нималар кечаётганини пайқадим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Ҳоли нима (*ёки* **не***)* **кечди** Ҳоли нима (не) бўлди, қандай аҳволга тушди. [*Жайноқ*:] *Ўтир.. Нафасингни ростлаб ол. Болаларнинг ҳоли нима кечди?* Н. Сафаров, Уйғониш.

3 Ўтмоқ. *Кўнглидан қандай гаплар кечди экан?* ▬ *Йилларимдан хафа эмасман, Меҳнат, жангда кечди онларим.* Ё. Мирзо. *Касаллик кечишига қараб ўткир ва хроник формаларга бўлинади.* Ҳ. Файзуллаев, Тери касаллиги нима? *У билан бирга кечган ширин дамларни, дилрабо суҳбатларни эслайди.* Т. Ашуров, Оқ от.

4 Афв этмоқ, кечирмоқ. [*Мирзақул:] Бой ота, Суярнинг гуноҳини мен сиздан сўрадим. Кечинг.* Н. Сафаров, Уйғониш.

Бир қошиқ қонидан кечмоқ *фольк.* Афв этмоқ, афв этиб омон қолдирмоқ, ўлдирмаслик, жазоламаслик.

5 Баҳридан ўтмоқ. *Ҳамма нарсасидан кечмоқ. Мол-мулкдан кечмоқ. Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молидан кечмас.* Мақол. ▬ [*Бек*:] *Хонумонимдан кечаман.. аммо бу ишни очмасдан қўймайман.* А. Қаҳҳор, Бек.

6 Юз ўгирмоқ, алоқа, муносабатни узмоқ. *Норози бўлишдан нима фойда. Дадангдан кечасанми?* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЧПИШАР Кеч пишадиган, кейин етиладиган; кечки. *Кечпишар қовун.* ▬ *Ҳар меванинг ўз участкаси бор, ҳар бир участканинг ўз бўлимлари бор: эртапишар, ўртапишар, кечпишар..* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

КЕЧУВ 1 *кам қўлл.* **Кечмоқ** фл. ҳар. н. *Бу ердан кечув қийин эмас.* ▬ *Дарёдан кечувда ҳам Ғаввос жонбозлик кўрсатди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Катта ариқ, дарё, сой кабиларнинг кечиб ўтиладиган (кечиб ўтиш мумкин бўлган) саёзроқ жойи; кечик. *Энг қулай кечув тўғон яқинида. Чирчиқни биладиган одам фақат ўша ердан ўтади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *..кечув ўрнини билиб, эҳтиёт билан сувга тушган машиналар ўтиб кетмоқда, баъзилари эса қумга ботиб қолмоқда эди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

КЕЧҚУРУН *рвш.* Кундуз тугаб, тун бошланаётган пайт, кеч пайти; оқшом. *Адолат ҳар куни кечқурун Усмонжонни кўриш орзусида уйига ошиқар, уни соғинар, лекин буни тан олишга ўз-ўзидан уяларди.* С. Зуннунова, Гулхан. *[Аҳмаджон] Кечқурун, ҳамма кинога кетганда, бирпас мизғигани казарма ёнидаги майсага чўзилган эди, рўпарадаги адир ёнбағирлигидан ашула товуши эшитилди.* А. Қаҳҳор**,** Олтин юлдуз.

КЕЧҚУРУНГИ Кечқурун бўладиган; кечки. *Муродхўжа домла кечқурунги зиёфатда яхши «маданий» закускалар ҳам бўлсин, деб шу яқиндаги бир ресторанга буюртмалар берган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Қадоқчи Ҳамроқулнинг тоби қочди. Ким билади, кеча кечқурунги худойи ош ёқмадими ё эрталаб чойнак қадоқлатиб кетган кишининг носида бир гап бор эканми?* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

КИБЕРНЕТИК Кибернетикага оид, унга хос. *Ҳужайрани мазмунан жуда такомиллашган, кибернетик система асосида бехато ишлайдиган.. фабрика деб аташ мумкин.* «Фан ва турмуш». *Кибернетик тизимлар бир-биридан уларда ҳаракатланувчи сигналлар оқимининг табиатига қараб фарқ қилади.* «ЎзМЭ».

КИБЕРНЕТИКА [*юн.* kibernetike (techne) – бошқариш, дарғалик (маҳорати)] **1** Бошқарув жараёнлари ҳамда машиналар, тирик организмлар ва жамиятда ахборот-маълумот узатишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан. *Техникавий кибернетика. Иқтисодий кибернетика. Тиббиёт кибернетикаси.* ▬ *Кибернетиканинг техник асосини электрон ҳисоблаш машиналари ташкил этади.* «ЎзМЭ».

2 Информатикада: ахборот-маълумот олиш, сақлаш ва уни қайта ишлашнинг умумий қонунлари ҳақидаги фан.

КИБОР [*а.* كبار – «кабир» с. кўпл. : катталар, улуғ кишилар] *эск. кт.* **1** Жамиятнинг олий табақасига оид киши; оқсуяк, аслзода. *Киборлар жамияти.* ▬ *Улуғ ҳоким дарвоза олдида эгардан тушиб, отни посбонга берди, шу пайт ялтироқ тўнли бир кибор таъзим қилиб, уни ичкарига бошлади.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Европа киборлари расмича муомала қилишга мажбурман.* А.

Қаҳҳор, Бос тепкини. *Киборлар сендекларни «қора халқ» деб писанд қилмайдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Улуғворлик, киборга хос ўзини тутиш. *Таксон вазиятини ўзгартирмай, сохта кибор ва менсимаслик билан хонага кирди-ю.. креслолардан бирига ўтириб, оёғини чалиштирди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Қулаҳмад ўзини кибор тутар.. одам юзига боқмай, терс қараб гапирарди.* Мирмуҳсин, Чўри.

КИБОРГ [киб (ернетика) + орг(анизм)] *айн.* **робот.**

КИБОРЛАРЧА Киборга хос ҳолат, хатти-ҳаракат билан. *Муллаларнинг салом ва ҳурматларига керагича жавоб бермай, уларнинг олдида киборларча ўтиб кетишининг сабаби ҳам кейинча очилди.* С. Айний, Эсдаликлар.

КИБОРЛИК Киборга хос белги-хусусият, хатти-ҳаракат. [*Нодирнинг*] *Табиатида бир хил киборлик мавжудки, бу, шубҳасиз, ҳаммага ёқавермас, ҳатто кишида бир оз ҳайиқиш ҳам уйғотарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Уларнинг ҳаракатидаги ишонч ва хотиржамлик хотинга ғолибларнинг ғурури, киборлиги, мағрурлиги бўлиб кўринди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КИБР [*а.* كبر — мағрурлик, катталик, такаббурлик] Ўзини ҳаммадан юқори ҳис этиш; манманлик, кеккайиш ҳис-туйғуси. *Олифта бойвачча кибр ва аҳмоқона ғурури ила креслода талтайганча қолди.* Ойбек, Нур қидириб.

КИБРЛАНМОҚ Ўзини юқори ҳис этмоқ; манманлик қилмоқ, кеккаймоқ. *Рихсибой ака кейинги пайтда жуда кибрланиб кетди: эришилган ютуқларнинг ҳаммаси мен туфайли дейдиган бўлиб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

КИБРЛИ Ўзини ҳаммадан юқори ҳис этадиган; кеккайган. [*Қизлар*] *Қутбияни «кибрли, мағрур ва ота-онасига катталик қилади», деб айблардилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *..элликбоши бирдан ғолиб, кибрли вазият олди ва Парпихўжа ёғчига сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КИБРЛИК *айн.* **кибр.** *Араббой овқат вақтида бошқалар олдида ўзига хос кибрлик билан Элмуродга таъна қилди: -Ҳа, қоровулхонада мактаб очибсиз деб эшитдик.. Ойлик қанча?* П. Турсун, Ўқитувчи.

КИБР-ҲАВО, кибру ҳаво Ўзига ортиқча баҳо бериш, манманлик. *Ҳабибий, қош кериб, мағрур боқма элга, камтар бўл, Назардан қолма, бадахлоқ ила кибру ҳаводан кеч.* Ҳабибий.

КИГИЗ Юнгдан босиб тайёрланадиган қалин пишиқ палос; намат. *Ўчоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачада, кичкина бир сариқ, бужур одам кўк пиёлада чой ҳўплаб ўтирибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кигиз босиш Юнгдан намат, палос каби буюмлар (уй жиҳозлари ва оёқ кийимлари) тайёрлаш. **Кигиз этик** *с. т.* Валенка, пийма. *..кўн этик, кигиз этик, почапўстин.. қўйинг-чи, бозордаги ёймачида нима бўлса, ҳаммасидан бор эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КИЗАК Дўппининг тепаси ва жияги ўртасидаги қисми, гардиши. *Назирқул нима дейишини билмай.. дўпписининг кизагини тортиб ўйнар, гоҳ-гоҳ ёлворгандек, кўзларини пирпиратиб, Низомиддиновга қараб қўярди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *У хумдек бошидан кизаги шўрлаб кетган шляпасини қўлига олди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

КИЙ [*пол.* kij — таёқ, ҳасса] Бильярд ўйинида соққаларни уриб думалатиш учун қўлланадиган, учи ингичка узун таёқ.

КИЙИК Кувуш шохли сутэмизувчилар оиласининг оҳу, буғу ва ҳоказолар каби катта бир гуруҳининг умумий номи. *Тоғ чўққисида ўтлаб юрган кийик шарпани эшитиб, бош ирғатгандай бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИЙИКЎТ Ялпиздошлар оиласига мансуб, бир ва кўп йиллик хушбўй доривор ўсимлик (атир-упа ва дори саноатида ишлатилади).

КИЙИМ 1 Баданни ва тана аъзоларини беркитиш, ёпиш ва шу билан инсон танасини ташқи муҳит таъсиридан сақлаш учун кийиладиган, асосан, мато ва теридан тикиб тайёрланадиган нарсаларнинг умумий номи. *Ички кийим. Устки кийим. Бош кийим. Оёқ кийим. Миллий кийим. Аёллар кийими.* ▬ *Тор кўчанинг юқори бурчагида отининг тизгинини ушлаган ҳолда, бир йигит кийимига ўтирган чанг-тўзонларни қоқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гулнор.. қутилардан бирини очиб, кийимлари орасига ҳалиги дўппини жойлаштирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳовлиқиб, рус ҳарбий зобити кийимида шаҳзода Исфандиёр кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *айн.* **кийимлик.** *Бир кийим атлас. Икки кийим духоба сотиб олмоқ.*

КИЙИМ-БОШ Кийиладиган нарсалар, кийим; уст-бош, кийим-кечак. *Булар* [*йигитлар*] *бир шаҳарга тушиб, эртасига кийим-бош олишди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Элмурод.. ўзини улар олдида дадасининг кийим-бошини кийиб юрган боладай қўпол, уқувсиз сезарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КИЙИМ-КЕЧАК *айн.* **кийим-бош.** *Арава-арава кийим-кечак келтирилиб, ҳамма болаларга бир сидра янги ички ва устки кийим-бош берилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мирбадал тўкиб қўйилган пахта устида кийим-кечаги билан донг қотиб ухлаб ётибди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

КИЙИМЛИ Кийим кийган, кийимда бўлган. *Қўлтиқларида товуқ, хўроз билан.. жулдур кийимли болалар шипиллаб ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Извошда оқ кийимли иккита одам ўтирарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

КИЙИМЛИК Кийим қилинадиган мато, кийимбоп газлама; кийимга мўлжалланган. *Бир кийимлик духоба. Икки кийимлик атлас. Кийимлик харид қилмоқ.* ▬ [*Деҳқон:*] *Қовуним пишиб чириб кетди.. битта четанда олиб тушай-да, сотиб, болаларга кийимлик олай, деб хаёл қилган эдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Амакингизнинг дўконига яхши шоҳилар, бахмаллар келибди, олмайсизми? Кеча.. уч-тўрт кийимлик олиб келиб қўйдилар.* Ойдин, Ҳикоялар.

КИЙИНМОҚ 1 Киймоқ фл. ўзл. н. *Кийинаётиб, столдаги графиннинг тагига қистирилган бир парча қоғозга кўзим тушди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

2 Маълум тарзда кийим кийган ҳолатли бўлмоқ. *Иссиқ кийинмоқ. Юпун кийинмоқ. Олифта кийинмоқ.* ▬ *Ҳар доим яхши кийиниб, кеккайиброқ юрадиган бу чиройли, қоратўри йигит.. ўқитувчи Каримов эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бироқ бугун одатига хилоф равишда кийинган: эгнида ҳаворанг мовут чакмон, оёғида ҳам сахтиён маҳси..* С. Сиёев, Аваз. *Кийинишидан нозик табиатлиги, баланд дидлиги кўриниб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КИЙИНТИРМОҚ 1 Кийинмоқ фл. орт. н. *Ўғлини кийинтирмоқ.*

2 Кийим-бош, кийим-кечак билан таъминламоқ. *Фуод афанди бир ярим йилдан бери уни* [*Ҳожи қизни*] *боқар, ичирар, кийинтирар.. лекин пул олмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Худога шукур, бойларимиз орасида саховатли одамлар ҳам бор. Улар фақирларга закот берадилар, яланғочларни кийинтирадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

КИЙМОҚ 1 Кийим билан баданни ёки бирор аъзосини ёпмоқ; кийиладиган нарса (кийим) ни танага, танадаги аъзога ёпмоқ, қўймоқ, илмоқ. *Кўйлак киймоқ. Дўппи киймоқ. Этик киймоқ. Пальто киймоқ. Ниқоб киймоқ. Қўлқоп киймоқ.* ▬ *Қиз тугунини қўлтиқлаб, ҳовлига тушди. Кавушини киймади. Яланг оёқ «шип-шип» юриб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғуломжон апил-тапил кийимларини кийди, оёқларига ковушларини илди.. шарпасиз қадамлар билан дарча олдига келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *этн.* Ҳадя кийими олмоқ. *Шармсиздир юзлари, Ошга тўймас кўзлари, Тўйга бориб, тўн киймоқ Ҳамон фикру сўзлари.* Ҳамза.

3 *кўчма* Ўранмоқ, қопланмоқ, бурканмоқ (ўт-ўлан, гул ва ш. к билан). *Баҳорнинг дастлабки кунлари: қишлоқ яшил либос кийган.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Дунёни гулларнинг хушбўй ҳиди тутади, гулшану боғлар қизил сарпо киядилар.* Газетадан.

Тўнини тескари киймоқ *қ.* **тўн.** *Отабекнинг аланглаб жавоб бериши Зайнабнинг бояги даъвосини чинга чиқаргандек бўлиб, Кумуш жуда ҳам тўнини тескари кийди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КИЛКИЛЛАМОҚ 1 Мавжланиб, тўлқинланиб турмоқ, жимир-жимир қилмоқ. *..кўм-кўк ийрим килкиллаб, худди бир афсонавий махлуққа ўхшаб турарди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

2 Диркилламоқ, диркиллаб тебраниб турмоқ. *Килкиллаган думба ёғи.*

КИЛО [*нем.* Kilo] *с. т.* Килограмм.

КИЛО- [*фр.* cilo < *юн.* chilioi – минг] Физик катталикларни билдирувчи ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; метрик тизимдаги асосий катталиклардан 1000 марта ортиқ миқдорни англатади.

КИЛОВАТТ [кило.. + ватт] Электр токи қувватининг 1000 ваттга тенг ўлчов бирлиги.

КИЛОВАТТ-СОАТ Халқаро бирликлар тизимида бир киловатт қувватнинг бир соатда бажарган ишига тенг ўлчов бирлиги.

КИЛОГРАММ [кило.. + грамм] Халқаро бирликлар тизимида 1000 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

КИЛОГРАММЛИ Килограмм оғирлигидаги; килограмм келадиган. *Беш килограммли тош.*

КИЛОМЕТР [кило.. + метр] Халқаро бирликлар тизимида 1000 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги. *Канал ўн етти километр узунликда бўлиб, Яккабоғдан чиқарилиши ва Шўртепанинг пастроғидан яна дарёга ташланиши керак эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КИЛОТОННА [кило.. + тонна] Ядро заряди қувватининг шартли ўлчов бирлиги (1000 тонна тринитротолуолнинг портлаш қувватига тенг).

КИМ 1 *сўр. олм.* Умуман, шахс ҳақида (исми, иш-амали ва б. нуқтаи назардан) сўроқни билдиради. *-Ким келди? -Собир. -Мени ким сўради? -Директор.* ▬ *-Менинг бу ерда эканлигимни ким айтди? — деди Сидиқжон бирпас жимликдан сўнг. — Ўзингиз сўроқлаб билдингизми? Кимдан сўрадингиз?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Хўп, янги очиладиган мактабларда ким ўқийди? — деди бой. -Мусулмон болалари.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Сиз ўзингиз кимсиз? - Ўғлингиз Низомиддиннинг дўстлариданман.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Ювғучи керак бўлса, кадхудонинг уйига бор. Киминг ўлган? — деди чойхоначи қаландарга.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Исми, иш-вазифаси ва б. жиҳатдан аниқ бўлмаган шахсни билдиради. *Шунинг учунми, кўкси зардобга тўлиб, дардини кимга айтишини билмай қолган кезларида, Аваз Мутрибни соғинади, унга кўнгил ёради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Нисбий олмош вазифасида эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. *Кимнинг билагида кучи бўлса, ким ишнинг ҳавосини олса, ўша зарбдор бўлаверади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Қатор келган бир неча гаплар бошида қўлланиб, **бири, баъзиси** деган маънони билдиради. *Уларнинг бари жароҳатланган: кими бошини ушлайди, кими белини кўтара олмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аксарининг уст-боши юпун.. кимларда похол тиқилган эски калиш, кимларда жағи йиртиқ кавуш, лекин улар шод.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ким билади (*ёки* **билсин**) Шахс, нарса, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг номаълумлиги, аниқ эмаслигини билдиради; билмайман, билмадим (билмасам). *Қирғиз Ўроз белбоғига маҳкам чандиб тугилган биттагина сўлкавойни (ким билади, буни қачонлардан бери сақлаб келган у) чиқариб, секингина ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ориятли бўлганидан, одамлар юзига тик қарагани уяладими, ким билсин, бу аёлнинг вужудида ўн эркакнинг ор-номуси бор эди.* Т. Ашуров, Оқ от. **Ким айтади сизни (сени)** Шахснинг қилган иши, хатти-ҳаракати унга муносиб эмаслигини билдиради, қайд этади. *Яшанг-э, сизни ким айтади қишлоқ мухбири деб?* «Гулдаста».

КИМАРСА *эск. айн.* **кимса.**

КИМДИР *гум. олм.* **1** Кимлиги номаълум одам; биров. *Ташқаридан кимдир «Ўрмонжон ака» деб чақирди, ҳаял ўтмай, эшикдан илжайган калла намоён бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Атиргул тўсатдан силкинди-да, кимдир энгашиб, анорзорга қочди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ким бўлса ҳам бир одам, бирор киши, ким бўлмасин. *Кимдир шу ишни бажариши керак.*

КИМЁ 1 [*а.* الكيميا — оддий металларни асл металлар (олтин, кумуш)га айлантириш тушунчаси]. Моддалар, уларнинг таркиби, тузилиши, хоссаларини, шунингдек, бир модданинг бошқа моддага айланишини ўрганувчи фан. *Аналитик кимё. Ноорганик кимё. Органик кимё. Кимё ўқитувчиси.* ▬ *У эрта билан хатни почтага ташлаб келиб, яна кимёдан конспектларини ўқишга тутинди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Шу нарса (тушунча) га (олтинга айлантиришга) нисбат беради. *Муқаддас ўлкам, ажиб хушҳаво, омон бўлсин, Эли жасуру ери кимё, омон бўлсин.* Ҳабибий. *Ажиб нозик бу бармоқлар, Териб мисқол қилур тоғлар, Жаҳонда энг буюк кимё Бу қўллардир, бу қўллардир.* Э. Воҳидов.

3 Кимё (хотин-қизлар исми).

КИМЁВИЙ Кимёга оид, кимё ҳодисалари билан боғлиқ. *Сувнинг кимёвий таркиби. Кимёвий чиқиндилар. Кимёвий дорилар. Кимёвий реакциялар. Кимёвий элементлар (унсурлар).*

КИМЁГАР [*а.* + *ф.* كيمياگر — кимё билан шуғулланувчи] Кимё фани бўйича мутахассис, олим; кимё саноатида ишловчи шахс. *Чирчиқ, Қўқон, Самарқанд кимёгарлари ўғитларнинг янги турларини ишлаб чиқаряптилар.* Газетадан.

КИМОНО [*яп.* kimono – кийим; кўйлак] **1** Япон эркаклари ва аёлларининг жуда кенг енгли халат кўринишидаги кийими.

2 Умуман, шундай бичимдаги халат ёки кўйлак. *Қизнинг эгнида қийиқ ёқа, ҳаворанг батист кимоно.* Н. Ёқубов, Жон.

КИМСА 1 Умуман одам, шахс, зот. *Қисқаси, илгаридан оддий бир тенгдошдек бўлиб келган бир қиз энди Элмурод учун сирли бир кимсага айланиб борар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу номаълум кимса оёқ учи билан юриб келди-да, мўралаб айвонга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кам қўлл.* Ҳеч ким, ҳеч зот. *Гўё кимса ҳол сўрмас мендан, Жўраларим сўрамаслар ҳол.* Рауф Парфи. *Нон сотиб олай деса, бозор йўқ, тортиб олай деса, кимса йўқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КИМСАН 1 «Ким» сўзининг иккинчи шахсга қаратилган сўроқ шакли. *Подадан адашган бузоққа ўхшаб дуч келган эшикка бошингни тиқаверасанми? Кимсан ўзинг?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Назарда тутилган шахснинг даражаси (амали, унвони, бойлиги ва ш. к.) юқорилигини таъкидлаш учун ишлатилади. [*Тантибойваччанинг дадаси*] *Зиқнанинг пир ургани эди.. Кимсан – терифуруш фалончи бой! Лекин кўрган одам ямоқчими, бўзчими деб ўйлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Хотинлари ҳам, кимсан – оқсоқолнинг хотинимиз, деб кеккайишиб, ўзларига хон, ўзларига бек бўлиб, роса зуғумини ўтказишди, – деди Юсвали тоға.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кимсан (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

КИМСАСИЗ 1 Ҳеч кими йўқ, ёлғиз. [*Элмурод:*] *Ахир, бир кимсасиз етимдан бугун шундай одам бўлсам-у, бошим кўкка етмасинми?!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Одам зоти йўқ, одамсиз; бўм-бўш. *Кимсасиз ҳовли. Кимсасиз дашт.* ▬ *Маҳкам кимсасиз коридордан тез-тез юриб, ўша эшик қаршисига борди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Онахон.. Найманчанинг кўчаларига яна бир тикилаб қаради: ҳаммаёқ боягидай жимжит, кимсасиз эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КИМХОБ [*ф.* کمخاب – майин ипакдан тўқилган мато] Ўриши ипак, арқоғи зардан тўқилган мато; шу матодан тайёрланган (тикилган). *Бир тўнлик кимхоб. Кимхоб тўн. Кимхоб нимча.* ▬ *Бу туяларнинг бир нечтасига.. духоба, кимхоб, зарбоф, атлас, адрас ва шойи кийимликлар.. юкланган экан.* С. Айний, Эсдаликлар. *Чиғатой билан Ўктой.. кимхоб тўшак устида ўтириб, Чингизхондан келган чопарнинг ҳикоясини тинглашарди.* М. Осим, Ўтрор.

КИН [*ф.* کین – кек, ўч; душманлик] *кт.* Гина; адоват, кек. *Қўзғолончи халқнинг кин, қаҳри ҳар лаҳза кучайди, ҳайқириғи кўкни тутди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юракда бир мўмин бандасига кин сақлаш мусулмончиликка ёт нарса, бой.* К. Яшин, Ҳамза.

КИНА *айн.* **кин, гина.** *Сафар бўзчи кинани тамоман кўнглидан ювиб ташлаган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Йўқ дилда зарра кина бу шону шавкат ила.* Ҳабибий.

КИНДАК I *с. т. айн.* **киндик** I.

КИНДАК II *с. т. айн.* **киндик** II.

КИНДИК I **1** *анат.* Қориндаги болани йўлдош (плацента) орқали она танаси билан бирлаштирувчи, болани озиқ моддалари билан таъминлаш учун хизмат қилувчи ичак-най. *Учқуннинг киндигини кесганда, Тозагул кўзларини юмиб, қалт-қалт титраб турди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Бола туғилгач, шу ичак-найни кесиб ташлаш натижасида қорин ўртасида ҳосил бўлган кичиқ чуқурча; қориннинг ўрта қисми. *У* [*Соли совуқ*] *шошиб-пишиб Азимбойваччани кўкрагидан итарган эди, Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Киндик қони тўкилган ер (*ёки* **жой, тупроқ**) Туғилган ер, туғилган, ўсган жой; ватан. *Сафаргалдига бу қумлар чақалоқ вақтидан ошна. Қорақумда унинг киндик қони тўкилган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Киши қаригандан кейин киндик қони тўкилган жойини қўмсаб қоларкан.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

3 *кўчма* Марказ, ўрта. *-Даштнинг киндиги мана шу ер, – деди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мана, уч йилдирки, Марказий Фарғона киндигида гўзаллик яратяпмиз.* Газетадан.

КИНДИК II Дорбоз юрадиган арқоннинг ўртароқ жойидан кўтариб турувчи икки ёғоч учларининг бир-бири билан, шунингдек, арқон билан туташган, кесишган жойи. *Уни* [*дорбозни*] *киндикдан киндикка, чиғириқдан чиғириққа йўрғалатиб, саломат олиб чиқувчи нарса унинг қўлидаги лангари!* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

КИНДОР [*ф.* كين‌دار – кин (гина) сақловчи] *эск. кт.* Гинадор, кеки бўлган. *Киндор одам.*

КИНЕМАТОГРАФ 1 *эск.* Кинотеатр, кино.

2 Кино санъати.

КИНЕМАТОГРАФИСТ *қ.* **кинематографчи.**

КИНЕМАТОГРАФИЯ [*юн.* kinema, kinematos – ҳаракат + grapho – ёзаман] Маданият ва саноатнинг кинофильмлар ишлаб чиқариш ва уларни томошабинларга намойиш қилиш соҳаси. *Кинематография ходимлари.* ▬ *Маъруф Назаров кинематография, драматургия ва қўшиқчилик соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

КИНЕМАТОГРАФЧИ Кинематография ходими. *Ўзбек кинематографчилари.*

КИНЕСКОП [*юн.* kineo + – ҳаракатга келтираман + skopeo – кузатаман, қарайман] Телевизорда оқ-қора ёки рангли тасвирни қабул қилиб қайта кўрсатувчи электрон-нур трубка.

КИНЕТИК 1 Кинетикага оид. *Кинетик назария.*

2 Ҳаракатга оид. *Кинетик энергия.*

КИНЕТИКА [*юн.* kinetikos – ҳаракатлантирувчи] Назарий механиканинг динамика ва статика соҳаларини ўз ичига олган бўлими. *қ.* **динамика, статика.**

КИНЛИ *айн.* **киндор.** *Йўлчи лабини маҳкам тишлаб, кинли кўзларини бир нуқтага тикди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КИННА *этн.* Хурофий тушунчага кўра, гўё суқланиб қараш таъсирида «кирадиган» касаллик, оғриқ. *Бунга сўзнинг магик қудратига асосланувчи кинна, бадик, авраш.. ҳамда мавсум-маросим қўшиқларидан «Суст хотин», «Чой момо» кабилар мансуб.* «ЎТА».

Кинна кирмоқ Кинна таъсир этмоқ, кинна таъсирида касаллик, оғриқ юз бермоқ. *Кўзга яқинман-да. Дарров кинна киради, жигар.* У. Исмоилов, Сайланма. **Кинна солмоқ** Афсун айтиб, силаш, уқалаш билан «киннани ҳайдамоқ», касалликни йўқотмоқ. *Унсин келгандан буён, касалларга кинна солиш, туққан хотинларга доя бўлиш учун кампир бемалолроқ юра бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КИННАКАШ *айн.* **киннaчи.** *Исириқда «бир гап бор»лигини фолбинлар, азайимхонлар, киннакашлар ҳам.. пайқаб..* Н. Шораҳимов, Исириқ тутатиш хурофотми?

КИННАКАШЛИК *айн.* **кинначилик.**

КИННАЛАМОҚ 1 *айн.* **кинна солмоқ.** *қ.* **кинна**. *Гўрўғли совутнинг тугмаларини чиқариб.. отимни ўзим кинналасам, яхши бўлармикан, деб отнинг тепасида туриб эди, ногоҳ кўзи биёбонга тушди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

2 *кам қўлл. айн.* **кинна кирмоқ**. *Бола чинқириб йиғласа, кинналабди, деб қушноч момога югуришган.* «Шарқ юлдузи».

КИННАЧИ Кинна солувчи, кинна солиш билан шуғулланувчи шахс; киннакаш. *-Тунов куни бошим оғриб, кинначини чақирсам, [қайнанам] ҳайдаб юборди, – деди Савлатхон ўртоғига.* Ғайратий, Савлатхон. *Уялганлариданми ё кинначига алданганлариданми, ажин босган юзлари қип-қизариб кетганди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

КИННАЧИЛИК Кинначининг касби, кинна солиш билан шуғулланиш. *Анорбибига ўхшаш тул хотинларнинг қиладиган иши ҳар кимга ҳам маълум: маҳаллада дастурхончилик, бойлар эшигида оқсочлик, кинначилик ва ҳоказо.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Биласан-ку, кампирим баъзи вақтда кинначилик қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КИНО 1 *айн.* **кинематография.** *Кино, театр сингари санъат турлари орасида адабиёт ҳам тарбиянинг энг фаол ва самарадор омилларидан биридир.* «Фан ва турмуш».

2 *с. т.* Кинофильм. *Овозли кино. Овозсиз кино.* ▬ *Ўлмас.. ётоққа томон бурилган эди, Мурод тўхтатди: -Хўш, ўртоқ командир, қанақа кино кўрдингиз?* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Клубда ҳиндча кино кетаётган экан..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *с. т.* Кинотеатр. *Кинога бормоқ.* ▬ *Боғнинг бир четтасида овқатхона, яна бир четтасига кино жойлашган.* Уйғун.

КИНО- [*юн.* kineo – ҳаракатга келтираман] Ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кинематографияга, кинофильмга алоқадорлик маъносини ифодалайди.

КИНОАКТЁР [кино.. + актёр] Кино артисти, киноартист.

КИНОАКТРИСА Кино артисткаси. *Институтни тамомлашим билан орзум амалга ошди. Мен энди киноактрисаман.* «Муштум».

КИНОАППАРАТ [кино.. + аппарат] Ҳаракатдаги объектларни киноплёнкага тушириб оладиган, шунингдек, кинофильмлар намойиш қилинадиган аппарат. *Эпчил бир йигит дарҳол киноаппаратини ғилофидан чиқариб, Махсумни суратга ола кетди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

КИНОАППАРАТУРА Кинематография соҳасида ишлатиладиган турли хил машина, механизм, дастгоҳ, жиҳоз ва ш. к. лар мажмуи.

КИНОАРТИСТ *айн.* **киноактёр.** *Каримжон киноартист учун яна битта бифштекс буюрди.* О. Ҳусанов, Киноартист билан учрашув.

КИНОДРАМАТУРГИЯ [кино.. + драматургия] **1** Киносценарийлар мажмуи.

2 Киносценарийлар тузиш, яратиш иши, назарияси. *Аввало, кино санъатининг бирдан-бир муваффақиятини таъминлайдиган асосий соҳа — кинодраматургия ишини тўғри йўлга қўйиш лозим.* Газетадан.

КИНОЖУРНАЛ [кино.. + журнал] Кундалик ҳаётий муҳим ва халқаро ижтимоий-сиёсий воқеаларга бағишлаб яратиладиган қисқа метражли фильм. *Кейинги йилларда у.. «Ўзбекистон ўн беш йиллиги» каби тўла метражли фильмларни ва бир неча киножурналларни қўлдан чиқарди.* «Гулистон».

КИНОКАРТИНА [кино.. + картина] *айн.* **кинофильм.**

КИНОКОМЕДИЯ [кино.. + комедия] Характер, конфликт ва вазиятлар тасвири томошабинда кулги қўзғатадиган, юмористик ва ҳажвий жиҳатлар бир-бирига боғлиқ ҳолда кўрсатилган кинофильм.

КИНОКОНЦЕРТ [кино.. + концерт] Алоҳида концерт ижро(номер)ларидан тузилган кинофильм.

КИНОЛАШТИРМОҚ Бирор ҳудудда кинотеатрлар қурмоқ, кўчма кинолар ташкил қилмоқ. *Қишлоқларни кинолаштирмоқ.*

КИНОЛЕНТА [кино.. + лента] Кинофильмнинг бир нусхаси; кино лентаси. *Ойжамол суратга боқаркан, кўз олдида бултур ёзда.. боғларда сайр қилгани.. кинолентадай бир-бир ўтди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КИНОЛОГ Кинология мутахассиси; итларни парваришлаш ва уларни бирор фаолиятга ўргатиш билан шуғулланувчи шахс.

КИНОЛОГИЯ [*юн.* kyon, kynos — ит + logos — тушунча, таълимот] Итларнинг эволюцияси, зотлари, анатомияси ва физиологиясини ўрганиш, уларни урчитиш, парваришлаш, ўргатиш каби масалалар билан шуғулланувчи фан.

КИНОМЕХАНИК [кино.. + механик] Киноаппаратни ишлата билувчи ишчи, кинофильм кўрсатувчи механик. *Овоз оператори киномеханикка «Солдат отаси» фильмининг биринчи ҳалқасини қўйишни буюрди.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

КИНООПЕРАТОР [кино.. + оператор] Кинофильмларни суратга олувчи мутахассис. *Эшикда «Телецентр» деб ёзилган автобус. Ичкарисида прожекторлар, кинооператорлар..* С. Аҳмад, Сайланма.

КИНОПАНОРАМА [кино.. + панорама] *айн.* **панорама(ли) кинотеатр**. *қ.* **панорама.**

КИНОПЛЁНКА [кино.. + плёнка] Кинофильмларни суратга олиш учун ишлатиладиган лента; кино плёнкаси. *Киностудияда икки соатча бўлдим. Ҳамкасбларим.. катта ўрам киноплёнка ҳадя қилиб, кейин шаҳарни томоша қилишни таклиф этишди.* Газетадан.

КИНОПРОКАТ [кино.. + прокат] Кинофильмларни намойиш қилиш учун чиқариш ва улардан маълум вақтда фойдаланиш мақсадида кинотеатр, клуб ва ш. к. жойларга бериш; шу иш билан шуғулланадиган муассаса.

КИНОРЕЖИССЁР [кино.. + режиссёр] Кинофильмни қўювчи режиссёр, кинокартина режиссёри. *«Тоҳир ва Зуҳра» фильми тугар-тугамас, Наби Ғаниев кинорежиссёр Комил Ёрматов ҳамкорлигида «Насриддиннинг саргузаштлари» кинокомедияси устида иш бошлади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

КИНОСТУДИЯ [кино.. + студия] Кинофильмлар ишлаб чиқарадиган корхона. *1926 йили Ўзбек давлат киноси ташкил этилди. Киностудия «Бахт қуши» фильмини экранга чиқарди.* «Гулистон».

КИНОСЦЕНАРИЙ [кино.. + сценарий] Кинофильм яратиш учун асос бўладиган бадиий асар. *Мана бу киносценарийни олингда, яхшилаб ўқиб чиқинг.* «Муштум».

КИНОТЕАТР [кино.. + театр] Кинофильмлар намойиш қилинадиган махсус бино. *Кинотеатр олдига борганимизда, сеансдан кечикиб қолган қиз билан йигитга кўзимиз тушди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

КИНОТЕХНИКА [кино.. + техника] Кинофильмларни суратга олиш, нусхаларини кўпайтириш ва намойиш қилиш билан шуғулланадиган техника соҳаси.

КИНОФЕСТИВАЛЬ [кино.. + фестиваль] Вақти-вақти билан ўтказиладиган, кўпинча бир умумий мавзуга бағишланган кинофильмлар ёки бирор мамлакатнинг энг яхши кинофильмлари кўриги. *Халқаро кинофестиваль.* ▬ *Ўзбек киноҳужжатчилари кейинги икки йилнинг ўзида турли кинофестивалларда ўндан ортиқ фахрий диплом олдилар.* «Гулистон».

КИНОФИЛЬМ [кино.. + фильм] Экранда намойиш қилиш учун яратилган кинематография асари, кинокартина. *Рангли кинофильм. Илмий-оммабоп кинофильм.* ▬ *Рабиев, эшик ёпилгунча, Роҳиланинг бўй-бастига қараб турди. Уни қайси кинофильмда кўрганини эслашга уринди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

КИНОХРОНИКА [кино.. + хроника] Кундалик ҳаётдаги муҳим воқеаларни кўрсатиб берадиган қисқа метражли фильм ёки киножурнал.

КИНОЧИ (асосан кўпл. шаклида – **киночилар**) Кино ходими. *Ёш кинодраматург ва кинорежиссёр Учқун Назаров ўзбек киночиларининг 40 йил ичида эришган ютуқлари ҳақида муфассал ҳикоя қилиб берди.* Газетадан.

КИНОШУНОС [кино.. + *ф.* شناس – ўрганувчи] Кино илми билан шуғулланувчи мутахассис, олим. *Фильмнинг бўлажак тақдирини унинг асосий ҳукмдорлари – биз томошабинлар, танқидчилар, киношунослар, санъатшунослар.. ҳал қилади.* Ҳ. Муталова, Олмалар.

КИНОЯ [*а.* كنايه – белги; шама, ишора; пичинг, кесатиқ] **1** Масхаралаш, кулиш учун асл маъносидан бошқа, мажозий маънода айтилган сўз, гап; қочирим, истеҳзо, пичинг, кесатиқ ифодаси. -*Хўш, сизча нима қилиш керак, ўқимишли акам! – деди киноя билан Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саодатхоннинг.. юзидаги жиддийлик ўрнини ғалати, кинояга ўхшаган табассум эгаллади.* С. Зуннунова, Янги директор. -*Норбоевамисиз? Меҳнатдан қочиб келибсиз-да, синглим, – Унинг кўзойнак орқасидаги кўзлари киноя билан қисилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шоди Мударрисович.. илжайиб турар, сўзларида ҳазил аралаш киноя оҳанги бор эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 *ад.* Услубий восита: бадиий асардаги инкор этиш усулларидан бири бўлиб, бирор шахс ёки нарса устидан кесатиқ, қочириқ воситасида яширин кулишдан иборат.

КИНОЯЛИ Пичинг билан айтилган; пичинг, киноя ифодалайдиган. *Ўктамнинг кўзларида эса қандайдир кинояли маъно, лабларида ғалати табассум сезгандек бўлди Собир.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Лейтенант.. товушини ортиқча баланд чиқариб коймас, салмоқлаб, кинояли сўзлар билан етмиш икки томирга игна тиққандан бадтар жонини ҳалқумига келтирар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КИНОЯОМУЗ [*а.* + *ф.* كنايه‌آميز – кинояли, пичингли, яширин маъноли] Киноя тарзидаги. *[Ўрмонжон] Нимадандир ғаши келаётгандай, ундан кинояомуз ҳол-аҳвол сўради-да..* А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари.

КИОСКА [*фр.* kiosque – чакана савдога мўлжалланган дўконча < *т.* + *ф.* كوشك – далаҳовли; шаҳар ташқарисидаги қаср] Савдо-сотиқ ёки бошқа мақсадлар учун мўлжалланган павильон; кичик дўкон. *Гул киоскаси.* ▬ *Газета киоскаси олдида сочига оқ оралаган, ўрта ёшлардаги бир хотин унга қараб турарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

КИОСКАЧИ Киоскада савдо қилувчи. *Киоскачи бугунги газеталарни тартибга соляпти.* ▬ -*Файзи опа энг камтар киоскачиларимиздан, – деди бошлиқ.* Газетадан.

КИПРАТИКАН *қ.* **типратикан.** *Йўл ёқасидаги бир тавақали эшик ғийқ этиб очилди. Ундан ёш боланинг кипратикан игналаридай юмалоқ боши кўринди.* С. Анорбоев, Оқсой. *..худди хавф олдидаги кипратикан сингари ҳурпайиб олган оломон..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИПРИК Кўз қовоқлари четида қатор жойлашган туклар. *Кучли кулгидан Раънонинг кўзи ёшланиб, ўсиқ киприги жуфтланди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қозининг туссиз кўзлари атрофидаги сийрак киприклари пилпиллади, лаблари пичирлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Киприк қоқмаслик 1) киприкларни юмиб-очмаслик, кўз очиқ ҳолда киприкларни қимирлатмаслик; диққат билан тикилиб жим турмоқ. *Сидиқжон оғзини, кўзларини катта очиб, киприк қоқмай, фавқулодда*

бир жавоб кутиб турганини кўриб, Болтабойнинг кулгиси қистаб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Акам ҳамон жойидан қимир этмас, кўзларини ўчоқда ёнаётган оловга қадаганча, киприк қоқмай турарди.* Қ. Кенжа, Балиқ ови; 2) бутунлай ухламаслик, кўз юммаслик. *Сидиқжон кечаси билан киприк қоқмай чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мастон унинг ёнида ўтириб, киприк қоқмай тонг оттирди.* А. Қаҳҳор, Мастон. **Киприк қоқмоқ** Юқори ва қуйи киприкларини юммоқ, юмиб очмоқ. *Секретарь қиз кўзларини сузиб, бир-икки марта киприк қоқди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Қўшнимнинг нафас олиши, киприк қоқиши тезлашди, оғзи хиёл очилди, гўё суқсур қиз қаршисида тургандай энтикди.* «Гулдаста».

КИР 1 Бадан, кийим ва ш. к. га чанг-тўзон ўтириши туфайли ва бошқа йўллар билан ҳосил бўладиган ифлослик. *Қўлнинг кири. Тўннинг кири.* ▬ *Мўйсафид сартарош.. кирдан қатирмаланиб ялтираган лунгини [Йўлчининг] бўйнига илиб, бошини ишқалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кир босган, кирланган. *Кир кўйлак. Қўллари кир.* ▬ *Эгнида тирсаги қирилган костюм, Ёқа кир, тугмасиз, юз ямалган шим.* Уйғун, Устаси фаранг. *Йўлчи унинг бошини кир ёстиққа оҳиста қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Ярамас, жирканч, ифлос. *Фақат ана шу кир мақсадга етиш ниятида Алиқул билан фикран бўлса ҳам битим туздинг.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ёшлик ўтди. Бўйи етди. Кир одат уни зиндондек ҳовлига солди.* Миртемир.

4 Ювиладиган ёки ювилган кийим-кечак, сочиқ, дастурхон ва ш. к. буюмлар. *Гулнор титроқ лаблари билан базўргина: -Яхши.. аммангизни севинтиринг, ман нима? — дедида, кир ёйишни баҳона қилиб, узоқлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Ойимхон] Очдан ўлмаслик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақига бир коса кепак олиб, нон қилиб еган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кўнглида кири йўқ Дарров хафа бўлавермайдиган, бировга гина-адоват сақламайдиган, бировга ёмонликни истамайдиган; очиқ кўнгилли. *Юрагида бори юзига тепиб турадиган бундай кишиларни, кўнглида кири йўқ, деб мақтайдилар.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Тожимат ака.. кўнглида кири йўқ, шалдир-шулдир одам эди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Кўнглини** (*ёки* **дилини**) **кир қилмоқ** Таъбини хира қилмоқ, дилини ғаш қилмоқ; бесаранжомликка солмоқ. *Ўксиниш — одам кўнглини кир қиладиган ёмон иллатлардан.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *У [Тўла] энг аввал.. дилини кир қилиб келган ёлғончиликка қарши кураш бошлади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. **Тирноқ остидан** (*ёки* **орасидан, тагидан**) **кир қидирмоқ** *қ.* **тирноқ.** *Мен ўз акасини ревизия қилиб, тирноқ остидан кир қидириб юрган одамдан яхшилик кутмайман.* О. Ёқубов, Асарлар. *Сен тирноқ орасидан кир қидирмай қўя қол.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Дарров тирноқ тагидан кир қидирасиз-а, Самадов.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Тишининг кирини сўрмоқ** Ейдиган ҳеч нарса йўқлигини билдиради, шунга ишора қилади. *Улар [бойлар] палов еб, тишини ковлаганларида, биз тишимизнинг кирини сўриб, ўчоқ олдида чориғимизни қуритар эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шўромиз бўлса, қоринларинг бир амаллаб тўйиб қолар, дейди. Лоп этиб қиш кирса, тишимизнинг кирини сўриб ўтирамизми?* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

КИРА [*а.* كراء — ёллаш, ёлланиш; ижара пули; йўл ҳақи ёки юк ташиш ҳақи] **1** Бирор жойга бориш ёки бирор юкни олиб бориб бериш учун арава, машина ва ш. к. ни ёллаш, ёлланиш. *Туяларимдан кўнглим тўқ бўлгани учун уларни кирага юбордим.* С. Айний, Қуллар... *уч соябон арава, олти отни кирага олиб, катта карвон кетидан юришни.. гаплашишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Кира қилмоқ 1) ҳақ тўлаш шарти билан бошқанинг от, арава, машина ва ш. к. ларидан фойдаланмоқ, уларни ёлламоқ. *-Биз ҳам, отам иккимиз, иккита нор туяни кира қилиб, карвонга уландик, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. ; 2) киракашлик билан пул топмоқ. *Қўлга тушсанг.. кира қиляпсан, деб молияга ёзиб беришдан ҳам тоймайди булар.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 с. *т.* Бадал, эваз. *Холбекани мен кўрсатсам, тўражон, Кирасига не берасан ўзима?* «Кунтуғмиш».

3 Кира ҳақи, кира пули. *Марғилондан, ҳатто Қудратулла қорини ҳам йигирма беш шогирди билан чақиртирибди. Бориш-келиш кираларини ҳам бой ўз устига олибди.* М.

Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Иккала машина ҳам якка тартибда уй-жой қурувчиларга сув ташиш ва кира ишлаш билан банд бўлмоқда.* Қ. Собиров, Баъзи майда-чуйдалар.

КИРАВЕРИШ Ҳовли, уй ва ш. к. нинг ичига кириш бошланадиган жой, кириш жойи. *-Қани, мин! — деди Ўрмонжон ҳайрон бўлиб турган Сидиқжонга, — мана шу тепалик орқасида бизнинг Бақақуруллоқ деган маҳалламиз бор, шунинг кираверишида сени бир хотин кутиб турипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *[Растага] Кираверишдаги якка-ягона атлас дўконида Назокат деган хушбичим жувон ишларди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КИРАВКА *фольк.* Нимчага ўхшаш, кўпинча совут остидан кийиладиган, металлдан ёки қаттиқ нарсадан қилинган уруш кийими. *Не полвонлар қадди ёйдай букилди майдон ичинда. Найза тегиб, киравкалар сўкилди майдон ичинда.* «Равшан».

КИРАКАШ Улов, машина билан ёлланиб, юк ёки одам ташиш билан шуғулланадиган шахс. *Киракашларга икки баробар ҳақ тўланиб, йўлни яхши биладиган одам танланди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шаҳардаги барча киракаш шофёрлар Самад безорининг оғайниси.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

КИРАКАШЛИК Кира, киракаш иши, машғулоти, касби. *У [Насим] Бухоро—Баҳоваддин ораларида киракашлик қиларди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Киракашлик қилишни биласанлар, бир литр бензин сотиб олсаларинг, асакаларинг кетади.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

КИРДИКОР [*ф.* کردگار — яратувчи, вужудга келтирувчи (худонинг сифати)] Умуман, қилинган ишлар, хатти-ҳаракатлар; одатда маълум шахс ёки шахсларга оид номақул иш, хатти-ҳаракатлар; қилмиш. *Ойимхон Тожибойнинг ҳамма кирдикорини билар, буларни жамоат ҳам билиб қўйишини истар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг [Умрининг] кирдикорини мен биламан, ундан мен жирканаман деб юрсам, бутун қишлоқ билар экан, бутун қишлоқ жирканар экан.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

КИРДИ-ЧИҚДИ 1 Кириш-чиқиш; кириш-чиқиш ҳаракати. *Ниҳоят, кирди-чиқди тўхтаб, бир ҳамшира касалларга шундай мурожат қилди..* «Муштум». *Аммо унинг олдида ғовур-ғувур, кирди-чиқди.. бир дақиқада одамни гангитиб ташлайди.* «Муштум».

2 Кирган-чиққан, нотекис. *Кирди-чиқди ер. Деворнинг кирди-чиқди жойларини тузатмоқ.*

Ақли (*ёки* эси) кирди-чиқди бўлмоқ Тўғри, меъёрида фикрлаш қобилиятини йўқотмоқ, гоҳ-гоҳ ақлидан айниб қоладиган бўлмоқ. *Зийрак хотин эди, энди эси кирди-чиқди бўлиб қолгандай..* Уйғун, Тонг қўшиғи. *Ҳақиқатан ҳам бу кейинги вақтда эси кирди-чиқди бўлиб қолган касалманд бир букри эди.* А. Мухтор, Чинор.

КИРДОР [*ф.* کردار — қилиқ, хулқ; амал, одат] *кам қўлл.* Иш, хатти-ҳаракат, қилиқ; қилмиш. *«Муштум»... нияти бузуқ дардисарларнинг кирдори бадларидан огоҳлик бериб туришларини таъкидлайди.* «Муштум».

КИРЗА [*р.* кирза — музлаган ер қатлами] Оёқ кийими, тасма ва б. нарсалар тайёрлаш учун тери ўрнида ишлатиладиган пишиқ, сув ўтказмайдиган (резиналанган) сунъий материал ва ундан тайёрланган пойабзал. *Собир оғир кирза этиги билан узун йўлакка тўшалган гилам-шолчани босишга ийманиб, девор ёнроғини мўлжаллаб, қимтиниб борарди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Қора лас тўн кийган.. оёғида кирза этик.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

КИРИМ 1 *бухг.* Муайян давр мобайнида турли манбалардан келиб тушадиган пул, моддий бойлик, маблағларнинг умумлашма атамаси; тушум. *Кирим ва чиқим. Кирим дафтари.* ▬ *Янги директор.. кабинетига кириб улгурмай, устма-уст буйруқлар чиқарди: «Автомашиналар менинг фармойишимизсиз бир қадам жилмасин», «Сут менинг амримсиз бухгалтерияда кирим қилинмасин»..* Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

2 *айн.* **даромад**. *Мен эсимни таниган вақтларда бу чолнинг ҳеч бир кирими йўқ ва унинг кундалик овқатини қариндошлар бериб турардилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

КИРИМ-ЧИҚИМ Ҳисобга олинадиган ёки ҳисобдан чиқариладиган пул ва моддий бойликлар. *Кирим-чиқимни ҳисобга олмоқ. Кирим-чиқим дафтари.* ▬ *Норбой қоғоздан бош кўтармай, кирим-чиқим ҳужжатларини имзолаш билан банд эди.* «Ёшлик».

КИРИШ 1 Кирмоқ фл. ҳар. н. *Уйга киришга ошиқди. Аспирантурага киришни орзу қиларди.* ▬ *Аммо аллақандай ғойибона куч*

уни ичкарига киришга ундарди. С. Кароматов, Олтин қум. *Гулхайри ҳозир қўлларини пальтосининг мўйнали енгига тиқиб, кириш залида этикчалари билан паркет полни босиб, артистларнинг деворлардаги суратларига тикилиб юргандир.* С. Нуров, Нарвон.

2 Бирор асарнинг асосий қисмидан олдинги, бошланғич қисми; дебоча; муқаддима. *Китобнинг кириши.* ▬ *Мўттихон кичкинагина кириш нутқидан кейин сўзни Тошкентдан келган аёлга берди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Кейин қисқа кириш сўзи қилиб, масалани бутун тафсилоти билан батафсил таништирди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Кириш сўз 1) *қ.* **кириш 2**; 2) *тлш. қ.* **сўз. Кириш гап** Гапнинг айрим бўлаклари ёки бутун гапнинг мазмунига сўзловчининг муайян муносабатини ифодаловчи, асосий гапга қўшимча фикр билдирувчи гап.

3 Бирор фаннинг асосий тушунчаларини баён этувчи, шу фандан дастлабки маълумотлар берувчи қисм. *Фалсафага кириш. Тилшуносликка кириш.*

КИРИШИМЛИ Ҳар ким билан суҳбатлашиб, аралашиб, дўстлашиб кетаверадиган, одамлардан ўзини четга олмайдиган, ётсирамайдиган. *Малика киришимлигина бўлгани учун ҳам, қайнанасининг кўнглини топиб, ундан ширингина гапини аямади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Зокиржоннинг тоғаси жуда киришимли ва тадбиркор киши.* «Шарқ юлдузи».

КИРИШМОҚ 1 Кирмоқ фл. бирг. н. *Ўқувчилар синфга киришди.* ▬ *Булар талай ергача эмаклаб, талай ергача бағирлаб боргандан сўнг, бутазорга киришди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бирор иш-ҳаракатни бажаришга бошламоқ. *Бу ишга яқинда киришдик. Ўқишга астойдил киришди.* ▬ *Отабек ортиқ чидаб туролмади-да, рўмоли билан кўзини яшириб, йиғламоққа киришди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен туғилган фикрни дарҳол ёзишга киришмайман.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

3 Кишилар билан яқин муносабатга ўтмоқ, аралашиб, қўшилиб кетмоқ. *У [Саидий] бирмунча Шариф сингари танишлар орттирди, аммо булар билан киришиб кетолмас, бу янги доирада ўзини мусофирдай сезар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Унинг қизи Гулнор, ошпаз Анорбойлар ҳам колхоз ҳаётига киришиб кетишади.* «Муштум».

4 Бир-бирига туташмоқ, ёпишмоқ. *Ғўза ўсиб кетибди. Шохи шохига киришиб кетибди.* И. Раҳим, Ихлос. *Тишлари тушиб, жағи жағига киришиб кетган катта бувиси ҳассасини тақ эткизиб урдию.. башарасини тириштириб шанқий бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У йўл-йўл галстугини тортиброқ қўйган эди, кўйлагининг кенг ёқаси бир-бирига киришиб, галстугининг тугуни кўринмай қолди.* С. Анорбоев, Меҳр.

5 Иссиқ, совуқ ёки нам таъсирида қисқармоқ (мато ҳақида). *Ҳозир ювганда киришмайдиган, дазмол қилинмайдиган, кийиш учун қулай матоларнинг хили кўп.* Газетадан.

6 Белгиланган мақсаддан бошқа нарсага сарф бўлмоқ (пул, маблағ ҳақида). *Саёҳатга аталган пул уй ремонтига киришиб кетди. Сенинг ўн сўминг менга киришди.*

КИРКА [*р.* кирка < *т.* курак] *айн.* **метин 1.** *Дарё ёқасида уймалашиб, лом ва киркалар билан тош кўчираётган одамларнинг кийимларини [шамол] юлқийди.* Ш. Ғуломов, Бўз ерга баҳор элтганлар.

КИРКИК Беданани чақириш (тўрга илинтириб тутиш) учун махсус ишланган ҳуштак. *Содиқвой ҳатто киркикни ҳам синдириб ташлади, сайратмаларини бировга бергани йўқ, ҳаммасини учириб юборди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

КИРЛАМОҚ *айн.* **кирланмоқ.** *Уст-боши кирлаб кетибди. Бола кирлаган бетини юва бошлади.*

КИРЛАНМОҚ Кир бўлмоқ, кир олмоқ. *Чолнинг эгнида кирланиб, мойланиб йилтиллаган қора камзул..* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг юзи ғазабдан кaж бўлиб, тердан кирланиб кетган бўлса ҳам, Жуман уни дарров таниди.* А. Мухтор, Туғилиш.

КИРМОҚ *(асосан ж. к. билан)* **1** Юриб ёки силжиб, бирор нарсанинг ичига, ички қисмига ўтмоқ, ўзини ичкари қисмга олмоқ. *Уйга кирмоқ. Ғорга кирмоқ.* ▬ *Аҳмаджон бўш лаганни дастурхони билан кўтариб, қушбеги кирган эшикдан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бектемир тездан ўзини пастликка ташлади, югура-югура, ўрмонга кирди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Йўл устидан чиқиб қолган чаққон калтакесаклар ўқдай отилиб, кавакларга, тош ораларига кириб кетади.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 Нарсанинг орасига, ички қисмига ёриб, тешиб ўтмоқ, суқулмоқ; санчилмоқ. *Қўлига тикан кирди. Ер шундай қаттиққи, қозиқ қоқсанг ҳам кирмайди.* ▬ *Тош учланган қирраси билан бекнинг бошига тушиб, ярмигача ўйиб кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Аямай найзани уради Икки эмчак ўртасига, Ғарчиллаб найза киради.* «Гулшанбоғ».

3 Ич томонга ботмоқ. *Эрталабдан бери ҳеч нарса емаган молларнинг қоринлари ичичига кирган.* ▬ *Новча, икки лунжи ичига кириб кетган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Орасидан, қаторидан жой олмоқ; қўшилмоқ. *Бу мақола тўпламнинг иккинчи жилдига кирган.* ▬ *Иккитасида Азимбойваччанинг оти ёзилиб, кейин ўчирилган, охиргисида мутлақо рўйхатга кирмаган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бу касбни қўй, ука, сартарошлик қил девдим, мана у ҳам одам қаторига кириб олди.* «Гулдаста».

5 Иш, хизмат, ўқиш, жамият ва ш. к. га қабул қилинмоқ; жойлашмоқ. *У даставвал институтга лаборант бўлиб кирди. Партияга кирмоқ. Заводга слесарь бўлиб кирмоқ.* ▬ *Аммо биз ишга кирган одамларни жойларга уларнинг истаги билан эмас, идора эҳтиёжи билан юборамиз.* С. Кароматов, Олтин қум.

6 Саноқ сон ёки баъзан «ёш» сўзи билан бирга қўлланиб, шу сон билдирган йилча умр кўрганликни билдиради. *Отам олтмишга кирди. Қиз ўн етти ёшга кирди.* ▬ *Раҳмат, юзга кир, ували-жували бўл, ўғлим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Шу ёшга кириб Шунча йил яшаб. *Мен шу ёшга кириб, кўпчилик ичида «самоварчи, чой» деёлган одам эмасман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 Пайт, ой, фасл билдирувчи сўз, сўз бирикмаси билан қўлланиб, шу пайт ёки фаслнинг бошланишини билдиради. *Ёдгор, умри бино бўлиб, баҳорнинг кириб келишини шу қадар диққат билан кузатмаган экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кечикиб кирган қиш энди кун сайин совуғини кучайтира бошлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кеч кирди. Товуқлар ғира-шира қоронғида пир-пир учиб, бостирма шипидаги қўноққа чиқа бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Март ўтди, апрель кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

8 Айрим отлар билан бирикиб, шу от ифодалаган нарсанинг пайдо бўлиши ёки вужудга кела бошлаганлигини билдиради. *Кўчатлар мевага кирди. Ток ҳосилга кирди. Товуқ тухумга кирди. Юзига ранг кирмоқ.* ▬ *Июнь ойининг охири. Ғўзалар айни гулга кирган вақт.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Иштаҳага кирди-ю, кулча юзига ранг югурди.* К. Яшин, Ҳамза.

9 Ўзи бирикиб келган сўз ифодалаган ҳолат, хусусият ва ш. к. ни касб этиш, шунга эга бўлишни билдиради. *Касал уйқуга кирди. Кўм-кўк осмон бирпасда кулранг тусга кирди.* ▬ *Сиз келсангиз, ҳовлимизга офтоб чиққандай файз киради.* К. Яшин, Ҳамза. *Уй бекаси ўзининг асл руҳига кирди, жангчиларни қиём ва печенье билан меҳмон қилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Севгилимни чиройли йигит қиёфасига кириб олган сеҳргар иблис қўлтиқлаб келаётганидан ёниб кетдим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Унинг* [*Берунийнинг*] *тартибсиз, жўшқин фикрлари мунтазам бир шаклга кириб, вояга етди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар.

10 Ўтмоқ, ўтиб ўзлашмоқ. *Бу одатлар қардош халқлардан кирган. Сут билан кирган жон билан чиқар.* Мақол. ▬ *Русча «кандидат», «кандидатура» сўзларининг эквивалентлари сифатида эса тожик тилидан кирган «номзод» (ҳозирги маъносида) сўзи қўлланади.* «ЎТА».

11 Айрим сўзлар (мас., сезги аъзоларини билдирувчи *қулоқ, бурун* каби сўзлар) билан қўлланганда, нарсанинг шу аъзога таъсир этиб, сезги уйғотишини билдиради. *Гулнинг ҳиди бурнига кирмоқ.* ▬ *Ўйлайман-у, мияга ҳеч нарса кирмайди.* «Гулдаста». *Авазнинг қулоғига унинг гапи кирмас, у тарсаки егандек, шайх Саъдийнинг шоҳ сатрига тикилиб ўтирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Ақл (*ёки* **ақли**) **кирмоқ** Ақлли бўлмоқ, ақл билан иш қиладиган бўлмоқ. *Бўйим чўзилиб, ақлим кирган сайин кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Гапга** *(ёки* **сўзга) кирмоқ** Ўзганинг айтганига кўнмоқ, унамоқ; рози бўлмоқ. *Ҳазратқул ювош, нима деса гапга кирадиган боладан бунақа гап чиқишини сира ўйламаган эди, гангиб қолди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Яхшиям, отасининг сўзига киргани, акс ҳолда, Табибийдек доно, зукко бир устоз, оқил дўстдан айрилиб қолиш ҳеч гап эмас экан.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Гўрга кирмоқ** Ўлмоқ, ерга кўмилмоқ. **Ерга кирмоқ** 1) *айн.* **гўрга кир-**

моқ. *Сиздай одамга бундай бўҳтон қилгандан кўра ерга кирганим яхши эмасми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) ҳаддан ташқари уялмоқ, мулзам бўлмоқ. *Мен чақирсам, баттар уялади, ерга киради, ҳам унинг кўзига қандай қарайман!* Ойбек, Танланган асарлар. *Домла ер ёрилиб, ерга кириб кетгудек бўлиб турарди.* М. Мансуров, Ёмби. **Ёнига (*ёки* қўлтиғига) кирмоқ** Қўллаб-қўлтиқламоқ; ёрдам бермоқ; улғайиб, ёрдам берадиган ёшга етмоқ. *Қурбон ота шу ишни бошлаган вақтда унинг ёнига кирадиган одамлар пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Жонига ора кирмоқ** Сабабчи бўлиб, бирор нарса, фалокатдан сақлаб қолмоқ. *Ўз танки билан душман зотини абжақ қилган, немис мудофаасини ёриб ўтиб, неча юзлаб жангчиларимиз жонига ора кирган..* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бир неча ой отаси бетоб бўлиб қолганда, табиби ҳозиқ уни даволаб, жонига ора кирган эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Жон кирмоқ** Жонланмоқ, жонланиш юз бермоқ. *Шу орада хати бориб қолди-ю, бизга қайта жон кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Нонни еб, сувни ичган болаларга жон кирди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Жони кирмоқ** Маза қилмоқ, қониқиш билан роҳатланмоқ. *Ҳа-ҳа! Пирхонада жонинг кирибди-да.. Мазахўрак бўлиб қопсан-да..* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлга кирмоқ** Юришга бошламоқ.. *Қонига беланган дадангни кўтариб кирганларида, сен энди йўлга кирган эдинг.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Адолат йўлга кирди дегандан бошлаб, топганини сандиққа ташлади.* С. Зуннунова, Олов. **Тилга кирмоқ** Гапира бошламоқ (гапирмаётган, жим ҳолатдан гапира бошлашни билдиради). *Шариф тарро уҳ тортиб, тилга кирди: -Ҳоним, бу осий бандангизни афв этгайсиз..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Умар полвон ўйланиб қолди, анчадан кейин тилга кирди.* К. Яшин, Ҳамза. **Тушига кирмоқ** Тушида кўринмоқ. *Товуқнинг тушига дон киради. Нафақа керак бўлса, даромадимнинг ярмини олинг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **У қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқди** Шу оннинг ўзидаёқ унутилди, жуда тез эсдан чиқди. *Бу гаплар унинг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетаверди.* **Қўлга кирмоқ** Тасарруфига, ихтиёрига ўтмоқ. *Ёнивери билан қўшилиб, бир танобдан мўл ер қўлга киради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўлга кирганда, булбулим учди..* «Баҳром ва Гуландом».

КИРОВКА *қ.* **киравка.** *Оқ кировка, олтин совут кияман.* «Алпомиш».

КИРОЙИ [*а.+ф.* كرايى – арзирли; лойиқ, сазовор бўладиган] **1** Айтишга арзийдиган, гапирса, мақтаса бўладиган. *Мана бу киройи иш бўлибди.* ■ *-Гуруч деса, киройи гуруч шу, – деди қари сотувчи чол.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Рақиб деганнинг киройи айтишга сўзи, муштлашишга мушти бўлса.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қишлоқда дувдув гап. Киройи куёвинг бўлса, Комилжондақа бўлсин.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Уй тақдим эт кенг, муҳташам, Пора берсанг, киройи.* «Муштум».

2 Ўтакетган, жуда, ғоят. *Энди орада чақир тиканак бўлишим – киройи номардлик!* Ойбек, О. в. шабадалар.

КИРОМ [*а.* كرام – карамли, саховатли, буюк (кишилар); كريم – "карим" с. кўпл.] *эск. кт.* Муҳтарам, азиз (кишилар). *Иншоолло, бул андишамиз кироларга маъқул тушган тақдирда..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эй менинг дўстларим, кирому матлуб..* Э. Воҳидов.

КИРПЕЧ [кир + *ф.* پيچ – қоплама; парда] Кир тахланган токча олдини тўсиб, беркитиб қўйиш учун ишлатиладиган безакли буюм. *Уч палак тикдим.. Ҳаммаси бойларнинг эркаларига, ўзимга қани, биттагина кирпеч ҳам йўқ.* Ойбек, Улуғ йўл.

КИРПИ *шв.* Типратикан. *Ярим соатлар ўтар-ўтмас.. қиров қўна бошлаган сочлари ҳурпайган кирпини эслатувчи малларанг одам кирди.* «Муштум».

КИРПИТИКАН *шв.* Типратикан. *У* [*Иброҳим*].. *кирпитикан игналаридай сочлари қоп-қора.. камсуқум йигит эди.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

КИРПЎШ [кир + *ф.* پوش – ўров, жилд; тўсиб турувчи нарса] *с. т.* Кирпеч. *Шу вақт тахмонга осилган кирпўш ўз-ўзидан қимирлагандек бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КИРТАЙМОҚ Уйқусизлик, ҳорғинлик, чарчоқлик ва ш. к. натижасида кичрайиб, ичига тушмоқ (фақат «кўз» сўзи билан). *Қудратнинг афтидан қаттиқ ҳаяжон ва чарчоқ сезилар, лекин киртайган кўзлари жилмайиб турарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Жуда ҳам ориқлаб кетибди, кўзлари киртайиб қолибди. Ё иши жуда оғирмикин?* А. Мухтор, Туғилиш.

КИРТ-КИРТ *тақл. с.* Ўт, хашак ва ш. к. ни узиш ёки чайнашда чиқадиган товуш

ҳақида. *Пастда, ўтлоққа ёйилган пода эринибгина кирт-кирт ўт кемиради.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

КИРТОКЧА Ювилган дастурхон, сочиқ ва ш. к. лар тахлаб қўйиладиган (одатда, кичик) токча. *Кўз олдига дарров катта уйнинг икки тахмони ўртасидаги киртокча тепасига қўйилган рамкадаги сурат келди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КИРХОНА Кир ювиш, дазмоллаш каби ишларни бажарувчи муассаса, ишхона. *Ательелар ва кирхоналар, буюмларни ижарага бериш пунктлари ёмон ишлаяпти.* «Муштум».

КИРЧИ Кир ювувчи ишчи. *Кирчи аёл.*

КИР-ЧИР **1** Кир, ифлос ҳолатли. *Бир куни у киши, ўзича, ўғлим иссиқ овқатсиз, кир-чир бўлиб, етимлик азобини чекмасин, дебди.* «Олтин бешик».

2 Ювиладиган ҳар хил кийим, сочиқ ва ш. к. лар. *Хамир кўпгунча, кир-чирларини ювди, сўнг нон ёпди.* Т. Ашуров, Оқ от.

КИРЮВДИ *этн.* Киши дафн қилингандан кейин учинчи куни бўладиган биринчи маросим (бунда марҳумнинг кийимлари ювилиб, ювғучига берилади).

КИСЕЛЬ [*р.* кисати < киснуть – ачимоқ, бижғимоқ] Мева шарбати ёки сутга крахмал қўшиб пишириладиган енгил овқат, қуюқроқ ичимлик. *Қулупнай кисели.* ▬ [*Дўлана*] *Мевасидан кисель, қиём тайёрланади.* «Фан ва турмуш».

КИСЛОРОД [*р.* кислород < *лот.* Oxygenium (oxys – нордон, аччиқ + genos – туғилувчи, туғилган) сўзининг калькаси] Ҳаво таркибига кирувчи, нафас олиш, ёниш учун зарур бўлган, водород билан бирикиб, сув ҳосил қиладиган, Менделеев даврий системасининг VI гуруҳидаги кимёвий элемент; рангсиз, ҳидсиз газ. *Лойиҳага кўра, уй чердагига ўрнатилган қуёш батареяси сувни кислород ҳамда водородга ажратади.* «Фан ва турмуш». *Кислород ҳавонинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.* Газетадан.

КИСЛОТА [*р.* кислота – нордонлик, аччиқлик < *юн.* oxytatos – жуда нордон] Таркибида водород бўлган ва шу водород ўрнини бирор металл эгаллаганда, туз ҳосил қиладиган, нордон кимёвий бирикма; сув ҳамда туз ҳосил қиладиган мураккаб моддалар.

КИСЛОТАБАРДОШ Кислота таъсирига чидамли.

КИСЛОТАЛИ Таркибида кислота бор. *Кислотали бирикмалар.*

КИССА [*ф.* کیسه – қоп, халта] **1** *эск.* Оғзини бўғиш учун махсус ип ўтказилган, мато ёки чармдан ишланган кичик халтача. *Элчи, хонларнинг киссаларини олтин, қўйинларини ваъдалар билан тўлдириб, мақсадига эришганга ўхшайди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *шв.* Чўнтак. *Шерали киссасидан блокнотини олиб, чироқ шуъласига яқин бордида, унга бир нималарни ёзиб қўйди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

КИССАВУР [*ф.* کیسه‌بر – халтани, киссани кесувчи] Чўнтак ўғриси; кўча-кўй, бозор ва б. жойларда кишиларнинг нарсаларини ўғирловчи шахс. *Каромат киссавурларда бўлади.. Пулинг борини билиб, орқангдан илашади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Биров: «Собир аканинг ўғли киссавур бўлиб кетибди» деса, яна биров: «Кечалари хилват жойларда йўл тўсиб, одамларни талармиш», деярди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

КИССАДЎЗ [кисса + *ф.* دوز – тикувчи] *эск.* Кисса тикувчи уста.

КИСТА [*юн.* kystis – пуфак; қавариқ] Баъзи оғриқ билан кечадиган жараёнларда пайдо бўладиган, қалин деворли ва ичида суюқ ёки бўтқасимон модда бўлган бўшлиқ.

КИТ [*юн.* ketos – денгиз махлуқи] Кўриниши балиққа ўхшаган жуда катта сутэмизувчи денгиз ҳайвони.

КИТЕЛЬ [*нем.* Kittel] Ҳарбийларнинг бир ёқлама тугмаланадиган, тик ёқали расмий кийими. *Стул суянчиғига ташлаб қўйилган китель елкасидаги погон ойдинда ялтирайди.* С. Аҳмад, Уйлар. *Унинг эгнида келишган, ёқаси бўғиқ китель; бошида парраk ва қанот белгиси тақилган, гардиши таранг фуражка.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

КИТОБ [*а.* كتاب – ёзилган, муқоваланган асар] **1** Маълум матнли варақлардан иборат, жузлаб тикилган, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма (қадим қўлёзма ҳам) асар. *Китоб магазини. Китоб савдоси. Китоб нашр этмоқ. Шеърий китоб. Геологияга оид китоб. Шахматга оид китоб.* ▬ *Аҳмад Ҳусайн.. китобларни саралаб, чамаданга жойлади..* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳозир отага қарашиб турибман: чойхўрларга газета, китоб ўқиб бераман.* А. Қаҳ-

ҳор, Асрор бобо. *Китобнинг муқоваси кўркам, китобхон уни қўлга олиши билан баҳридили очилиб кетади.* Газетадан.

2 Умуман, маълум шахс, воқеа-ҳодисага ва б. га оид тугал, одатда, нашр этишга (китоб бўлишга) мўлжалланган асар. *-Бу яқинда катта китобни ёзиб тугатади, — дея давом этди Завқий.* К. Яшин, Ҳамза. *Тез кунда довруғим оламга ёйилиб кетса-я.. менинг ҳақимда ҳам китоблар ёзишса-я.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

КИТОБА [*а.* كتابه — ёзув; котиблик; ёзувли лавҳа] *эск.* Қабр тоши, катта дарвоза ва бино пештоқига битилган ёки ўйилган йирик ёзув. *Қани у харобазор? Барқ урар янги жаҳон, Дарёлар, экинзорлар — фусункор китобалар.* Миртемир.

КИТОБАТ [*а.* كتابت — ёзув, ёзиш; ёзувли лавҳа] *эск.* Ёзиш, кўчириб ёзиш, ёзув. *Кекса хаттот Машариф тарро билан маросимни китобат қилиб ўтирган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хобгоҳ эшиги олдида уларни Бобурнинг шахсий табиби бўлган кичик жуссали мўйсафид тўхтатди: -Бу китобатни аввал Қосимбек ўқимоқлари керак.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Китобат санъати Қўлёзма китобларни яратиш, уларга безак бериш.

КИТОБДОР *эск.* Кутубхоначи. *Китобдорга айтиб қўйинг, Ибн Синога ҳар куни китобхонада машғулот ўтказмоққа ижозат бердим.* М. Осим, Карвон йўлларида.

КИТОБИЙ Китоб тили ёки ёзма нутққа оид; оддий сўзлашувда қўлланмайдиган. *Китобий сўз. Китобий ибора. Китобий достонлар.* ■ *Салимхўжа муллавачча бу оилага тез-тез келиб турар ва Нусратиллланинг иқболи ҳақида кўп чиройли китобий сўзлар билан гапирар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КИТОБИЙЛИК Китобий белгига, китобий услубга хослик. *Кўриниб турибдики, таржимон, Аркадинанинг нутқидаги китобийлик, сунъийликни сақлаб, унинг характерини қайта ярата олган.* «ЎТА».

КИТОБФУРУШ [китоб + *ф.* فروش — сотувчи] Китоб сотувчи, китоб савдоси билан шуғулланувчи шахс.

КИТОБХОН [китоб + *ф.* خوان — ўқувчи, ўқийдиган] Китоб ўқувчи. *Китобхонлар конференцияси.* ■ *Тоғ каби.. уй ичи лиқ тўла китоб. Ўқиш залида жим, китобхонлар беҳисоб.* Қ. Муҳаммадий. *Ёзувчи олтин сўз излаб, китобхон қалбига йўл олади.* С. Кароматов, Олтин қум.

КИТОБХОНА Китоблар қўйилган жой, хона. *Ҳусайн бўш вақтларида отасининг китобхонасини титкилаб, араб, форс тилларидаги бадиий асарларни ўқиб чиқар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

КИТОБХОНЛИК Китоб ўқиш, биргаликда китоб ўқиш. *Гап-гаштакларда, ўтиришларда китобхонлик қилган жўралари орасида «ширин сухан»лик билан танилган Олимхон сайрайверди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бизнинг ташқари ҳовлимиз бўлиб, китобхонликлар шу ерда бўларди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

КИТОБШУНОС [китоб + *ф.* شناس — ўрганувчи, билувчи] Китобшунослик мутахассиси.

КИТОБШУНОСЛИК Китоб ҳақидаги фан.

КИФОЯ [*а.* كفايه — етарлилик; зарур миқдорнинг борлиги] *рвш.* Қаноатланса бўладиган даражада, қаноатланарли; етарли. *Ҳўкизга — туртки, донога ишора кифоя.* Мақол. ■ *Биз сизларнинг ўқиб юрганингизни кўриб, хурсанд бўлиб юрсак ҳам кифоя [деди Ғани ака].* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меъморчиликда фақат зеҳну иқтидорнинг ўзи кифоя эмас, унинг дадил ва оғишмай иш кўриши ҳам ғоятда муҳим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КИФОЯЛАНМОҚ 1 Қаноат ҳосил қилмоқ, қаноатланмоқ. *Ўзбегимнинг одати шу: уйига бирон меҳмон.. келса, бор-будига кифояланмай, оёғи куйган товуқдай югуради, ўзида бўлмаса, қўшнисиникига югуради.* С. Нуров, Нарвон.

2 Шунинг ўзи билан бас қилмоқ; чекланмоқ. *Норбувининг «бу муштумзўр» жумласи унинг қитиғини келтирган бўлса ҳам, фақат бир хўмрайиш билан кифояланади.* Ҳ. Шамс, Душман.

КИФТ [*а.* كتف — елка] **1** Гавданинг бўйиндан қўлгача бўлган қисми; елка. *Отам келиб, хуржунни кифтига олди, мен унга эргашдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Кийимнинг елкада турадиган, елкани қоплайдиган қисми. *Тешабойнинг таънаси бояги кифти ямоқ қотма чолнинг жаҳлини чиқарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Кифтини келтирмоқ Жуда яхши (ўринлатиб, қотириб) бажармоқ; қойил қилмоқ; бопламоқ. *Қўлинг дард кўрмагур ошпазлар*

ҳам таомларнинг кифтини келтириб юборибди. «Муштум». *-Аканг айлангур, ҳазиллиям кифтини келтирасан, — Тўламат мўйлов йирик-йирик тишларини кўрсатиб илжайди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Якка кифт бўлиб** *ёки* **якка кифтлаб** Ёнламасига, бир ён билан (оралиқдан ўтиш, юришдаги ҳолатга нисбатан). *Йўлчи якка кифт бўлиб, халқ орасини ёриб, олдинга ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Якка кифтлаб ўтасан киши, Кўчаларда сонсиз оломон.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Яна якка кифт бўлиб, дарвозадан чиқди ва.. кўчадан жадаллаб кетди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

КИЧИК [*ф.* کوچک — кичик, майда; унча катта бўлмаган] **1** Тузилиш, ҳажм, ўлчам жиҳатдан нисбатан катта бўлмаган. *Кичик ўрмон. Кичик шаҳар. Кичик бино. Кичик тош. Кичик арава. Кичик хўжалик. Кичик гавда.* ▬ *[Отабек] Айвоннинг нариги ёни билан.. бир боқчагами, майдонгами чиқилишини билиб, шу ёққа юрди ва кичикроқ бир мевазорга чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қумда таланиб, борйўғидан ажралган кичик карвон сочилган нарсаларни йиғиб, отларни эгарлаб, араваларга қўшишга ҳозирлик кўрди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Анави кичик жангчича ҳам йўқманми?* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Сиғими, сатҳ ўлчами катта бўлмаган; тор. *Кичик ҳовли. Тўн унга кичик келди.* ▬ *Аксар шаҳар уйларидек, уста Баҳромники ҳам икки хона, бир айвондан ва кичик саҳндан иборат, ташқисиз эшик эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ёши ўрта даражадан паст, ўрта даражага етмаган; кексанинг акси, ёш. *Кичикларга мурувват қил, катталарни ҳурмат қил.* Мақол. *Бир каттанинг гапига кир, бир — кичикнинг.* Мақол.

4 Нисбатан ёши паст (кам) бўлган. *Кичик ўғил. Кичик амаки. Икки ёш кичик. Ўзидан кичик дўсти.* ▬ *Болалардан кичикроқлари чопқиллашиб, Саодатхондан ўзиб кетишди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Сидиқжон унга мурожаат қилганида, ўзидан кичик бўлса ҳам, «Зиёдахон опа» дер эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Вазифа, лавозим даражаси паст, қуйи. *Мен ўн бир йил шу идорада кичик бир лавозимда ишладим.* «Гулдаста». *Бухорода устоз Нажмиддин Бухорий каби катта меъмор бўлмаса ҳам, кичиклари бор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган амал, касб ва ш. к. нинг қуйи, паст, бошланғич даражасини билдиради. *Кичик илмий ходим.* ▬ *Яхши йигитлар — армиянинг ҳусни. Кузга бориб, буларни кичик командир қилиб чиқарамиз-а?* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кичик бир мастер бўлиб чиқарди отин..* Ғайратий.

7 Аҳамият, моҳият жиҳатдан катта бўлмаган; арзимас, муҳим бўлмаган. *Кичик хато. Кичик бир мулоҳаза.* ▬ *Ҳанифа.. ўз звеносининг кичик бир муваффақияти шундай катта мажлисда оғизга тушадиган бир воқеага айланиб кетишини сира кутмагани учун.. қаттиқ хижолат тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Катта бошини кичик қилиб Ўзини паст олиб, камтар тутиб, камтарлик билан (ўз мартабаси, мавқеи ва ш. к. ҳолатига нисбатан олинади). *Раис ҳам катта бошини кичик қилиб, кўпчиликнинг олдида: -Гапирган адашади, юрган қоқилади, — деди.* С. Нуров, Нарвон. *Сорокиннинг полкидаги ғалаёнларни яшириш учун Владимир Яковлевич катта бошини кичик қилиб, прапорщикни ўз ҳимоясига олишга мажбур бўлди.* А. Мухтор, Чинор. **Кичик тортмоқ** Кичик ҳолга келмоқ; кичиклашмоқ (гавда, тана ҳақида). *Бир вақтлардаги гавдали паҳлавон Қобил энди кичик тортиб кетган, кесакранг юзини, нурсиз кўзларини ҳадеб элдан яширар эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

КИЧИКЛАШМОҚ Кичик ҳолга келмоқ, кичраймоқ. *Гавдаси кичиклашмоқ. Ҳажми кичиклашмоқ.*

КИЧИКЛИК 1 Кичик ўлчам, ҳажм, даражага эгалик; кичик ҳолат. *Гавданинг кичиклиги.*

2 Ёш вақт; ёшлик. *Мен Бобур мирзога кичиклигидан илм ўргатдим.. мен уни одил подшоҳ бўлишга ундадим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Кичиклик қилмоқ 1) ёшлик қилмоқ. *Бу гапларни гапиришга кичиклик қиласан;* 2) торлик қилмоқ, тор келмоқ. *Бу туфли унга кичиклик қилади.*

КИЧИРИ *айн.* **мошкичири.** *Дарвозахона ёнидаги қоронғи бир қўшхонада жулдур кийимли қуллар ва қароллар кичири еб ўтирар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

КИЧКИНА *айн.* **кичик.** *Кичкина деманг бизни, Кўтариб урамиз сизни.* ▬ *Кичкина мўйлови оғиз четларидан хиёлгина тушиб турган йигит кўриб..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..Ҳасанали учун ҳам бу воқеа кичкина гап, озгина қайғу эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳа, бир кичкина тўй қилмоқчи эдик.* «Гулдаста». *-Ука, — деди куюниб, — мен кичкина одаммасман. Сизга алоҳида квартира олиб беришга қурбим етади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

КИЧКИНТОЙ 1 Кичкина с. кичр.-эркл. *..ёшлар, ахир, бундан ўн йил муқаддам мактаб даргоҳига илк бор қадам қўйганларида, кичкинтой бола, жажжи қизалоқлар эдилар.* Газетадан.

2 Ёш бола; гўдак. *Кичкинтойлар кийими.* ▬ *Кичкинтойлар учун мультфильмларни томоша қилиш, магнитофон ленталирига ёзилган эртаклар, шеърлар ва қўшиқларни тинглаш, диафильмларни кўриш айниқса қизиқарли.* Газетадан. *Дала шийпони шинам қилиб безатилиб.. кичкинтойларнинг яйраб-яшнаши учун барча шарт-шароит яратиб берилган эди.* Газетадан.

КИЧРАЙМОҚ Кичик бўлмоқ, кичик тортмоқ, ўлчам жиҳатидан қисқармоқ; кичиклашмоқ. *Шар кичрайди.* ▬ *[Мингбошининг] Ҳамма вақт шосупада талтайиб ўтирадиган йўғон гавдаси мана энди кичрайди, нортуядек новча бўйи пасайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Лайлак хира осмон қаърига тобора кириб, узоқлашиб, кичрайиб борарди.* К. Яшин, Ҳамза.

КИШ *унд. с.* Товуқ ва бошқа қушларни ҳайдашни ифодалайди.

КИШАН 1 Отнинг икки олдинги оёғига (эркин юришга имкон бермаслик учун) солинадиган бўғов, занжир.

2 Оёқ, қўл, бўйинга солиб, қулфлаб, банд қилиб қўйиладиган, темир ҳалқалардан ишланган махсус мослама. *Наби Фарҳоднинг қўл-оёғига боғланган оддий кишанни очди ва бўғовли кишанлардан бирини олиб, унинг бути ва бўйнига урди.* С. Айний, Қуллар. *Солдат калитни берди. Бояги эркак маҳбусларнинг қўлларидаги кишанларни очди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Умуман, эркин ҳаракатга йўл қўймайдиган нарса, тўсиқ, ғов. *Аммо Соҳиб қори билан Бозоровлар унга кишан бўлмасалар бас эди!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У вақтда от, сигир.. тушунмаслик оёғимга кишан бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Зебу зийнат, ўйин-кулгига ўрганган хотин учун бола оёқнинг кишани бўлиб туюларди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Кишан(га) солмоқ (*ёки* **урмоқ**) Кишанли ҳолатга солмоқ, кишанбанд қилмоқ; кишанламоқ. *Зулмга қарши сўзлагани учун, деҳқонларга ер талаб қилгани учун уни кишанга солишди.* Ойбек, Нур қидириб. *Бир неча солдат келиб, маҳбусларни ушлади. Ясовул ҳаммасининг қўлига кишан урди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИШАНБАНД Кишан урилган, кишанланган *(қ.* **кишан 2**). *Уч маҳбус, бошига бало осмони ағдарилгандек, кишанбанд қўлларини қоринлари устида жуфтлаб, гангиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИШАНЛАМОҚ 1 Кишан урмоқ, кишан солмоқ *(қ.* **кишан 1, 2**). *Отни кишанламоқ.* ▬ *Буни кўрган Содиқжон ёнидаги аёлларга шивирлади: -Ақлдан озибди, олиб кетинглар, айтинг, кишанлаб қўйишсин..* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма.* Эркин юриш-туришдан, ҳаракатдан маҳрум қилиб қўймоқ. *..шайтонга дарс бераман, деган мулла Саъдуллани мот қилиб, ўзини ҳар томон ташлаётган хотинбознинг оёқ-қўлини кишанлаб, бир умр бирга яшашга мажбур қилиш ниятида фарзандларини бештага етказди.* «Муштум». *Вақтни кишанлашга ҳамон мен ожиз.* Зулфия.

КИШАНЛИ *айн.* **кишанбанд.** *Кишанли оёқларини бир тарафга осилтириб олган темирчи Ражаб полвоннинг белидан қучоқлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

КИШВАР [*ф.* كشور — мамлакат, ўлка] *эск. кт.* Вилоят, ўлка, мамлакат. *Етишди бу гўзал кишварда Бобир, Бўлиб сўз устаси, санъатли шоир.* Ҳабибий. *Тангри бизга шундай катта кишварни иноят қилгани учун, биз Самарқанддай оламшумул доруссалтанага муяссар бўлганимиз учун шукроналар айтмоғимиз керак.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

КИШИ 1 Фикрлаш, сўзлаш ҳамда ижтимоий меҳнат жараёнида қурол ясаш ва ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлган жонли мавжудот, зот; одам, инсон. *Тил кишиларнинг ўзаро алоқа қуролидир.* ▬ *Кишининг руҳий ҳолати ва иш қобилияти муайян ритмга бўйсунишини одамлар аллақачон пайқашган.* Газетадан. *Унинг юқори қис-*

мидаги тугмачани боссангиз, тешикдан махсус узунликдаги электромагнит тўлқинлар чиқиб, киши миясининг ухлатувчи марказига таъсир кўрсатади. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Зайтун дарахтининг турган-битгани киши организми учун фойдали.* Газетадан.

2 Инсониятга мансуб зот, шахс, одам. *Обрўли киши. Хушомадгўй киши. Оиламизда тўрт киши бор. Ҳар қандай киши. Олижаноб киши. Кишилар тўдаси. Беш кишидан иборат комиссия.* ▬ *Новча киши шофёр узатган папкани қўлтиғига қистирди-ю, катта-катта одим ташлаб, тезда шерикларига етиб олди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Эй, бу ота Шариф тарронинг жанозасида Отамурод қорининг ёнида қуръонни шариллатиб ўқиб ўтирган киши-ку!* С. Сиёев, Ёруғлик. *Киши яхши кўрган одамини, минг ўраб ташланмасин, битта қилиғидан билади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Умуман, балоғат ёшидан ўтган шахс; катта ёшли одам. *Аёл киши. Эркак киши.* ▬ *-Ёшинг йигирма бешга қараб боряпти, — деди онаси ҳамон ўша титраган товушда, — хотин киши ўттизга кирса ўтин бўлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У камгап, бировга аралашмайдиган киши эди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Кабинетдан гражданча кийимдаги новча киши, орқа эшикдан эса учта милиционер тушиб келди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

4 Ўзга, бегона шахс, биров. *Киши юртида хон бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.* ▬ *Жиян, ақлинг бўлса, кишининг бир тийинига хиёнат қилма.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *с. т. эск.* Шариатга биноан, балоғатга етган хотин-қизлар юзини, ўзини кўрсатмаслиги керак бўлган бегона эркак. *Қўрғон эшигидан аёл овози эшитилди: -Нима керак? -Мунда кел! — чол қўли билан имлади. -Киши бор-ку.. -Қариндош, Хушрўйнинг ўғли, — деб тушунтирди чол.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кишидан қочмоқ Бегона эркакка ўзини кўрсатмаслик (хотин-қизларга нисбатан қўлланади).

6 Таъкид ифодалайди. *Афсуски, кундалик турмушимизда баъзан бунинг аксини кўриб, ўксинасан киши.* «Муштум». *Ёмғирда ювилган тротуарларда юрсанг, шунчалик енгил тортасанки, имтиҳонларни ҳам.. стипендия ташвишини ҳам унутиб юборасан киши.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Киши билмас Яширин ҳолда, ҳеч кимга билдирмай; зимдан. *Жуда ҳаяллаб кетишди-ку. Киши билмас бориб келмайсанми, ука? [деди Мансур].* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Ҳар бир ҳаракатингни киши билмас айғоқчи кузатади.* К. Яшин, Ҳамза.

КИШИЛАШИБ Саноқ сонлар билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг шу сон билдирган миқдордаги киши томонидан биргаликда бажарилишини, «..киши биргаликда» деган маънони билдиради. *Беш кишилашиб ёрдам бермоқ.* ▬ *Жувон Оқиланинг ёнига келиб, унга кўмаклашди. Лекин Ҳикматнинг икки қулоғидан қон отила бошлаши билан, врач қўлидаги томизгични қўйди-да, уч кишилашиб Ҳикматнинг бошини аранг ёстиққа қўйишди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

КИШИЛИК 1 Инсоният; инсонга (одамга) оид. *Кишилик тарихи. Кишилик жамияти.* ▬ *Меҳнат кишиликка азалдан йўлдош.* «Гулдаста». *Кишилар эркин яшашдангина, билим олишдангина маҳрум этилиб қолмай, ҳатто шундай бир оддий кишилик фазилатидан — севмоқ, севилмоқдан ҳам маҳрум этилган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Меҳмондорчилик, турли йиғин ва ш. к. га кийиладиган кийим; кўча кийими. *Уйлигини топмаган кишиликни тўздирар.* Мақол. ▬ *Хадича хола сандиқдан амиркон кавуш-маҳсисини, кишилик учун деб олиб қўйган сурп кўйлагини.. дока рўмолини олди.* Т. Алимов, Совға. *-Ойи, эртага бозорга тушиб, кишиликка битта шиму бир пинжак [пиджак] олсам дейман, — деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Саноқ сон ёки миқдор билдирувчи сўзлар билан қўлланганда: 1) кишидан иборат, кишидан ташкил топган. *Беш кишилик комиссия.* ▬ *Шайбонийхон.. шаҳарда беш юз кишилик қўшин қолдириб, ўзи асосий лашкарлари билан шаҳардан нарида Хўжа Дийдор деган жойни қароргоҳ қилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 2) кишига, одамга мўлжалланган. *Уч кишилик хона. Ўн кишилик палов. Корхонанинг минг кишиликданғиллама клуби қуриб битказилди.*

Кишилик олмоши *тлш.* Шахс билдирувчи олмошлар (*мен, сен, у, биз, сиз* каби).

КИШИСИЗ *кам қўлл.* **1** Ҳеч ким бўлмаган, одам яшамайдиган, кимсасиз. *Кишисиз жой. Кишисиз орол.*

2 Қаровчи одами йўқ; қаровчисиз, кимсасиз, ёлғиз.

КИШИСИЗЛИК Қаровчи одами (кишиси) йўқлик. *-Кишисизлик қуриб кетсин, — деди кампир жавобда.* С. Айний, Қуллар.

КИШ-КИШ *унд. с.* Паррандаларни (асосан, товуқни) ҳайдашни билдиради.

КИШКИШЛАМОҚ «Киш-киш» демоқ, «киш-киш» деб ҳайдамоқ.

КИШМИШ Меваси майдароқ бўладиган уруғсиз узум ва шу узумнинг майизи. *Бизнинг ёрнинг емиши катта боғнинг кишмиши.* «Қўшиқлар». ▬ *Ишкомларда ҳусайни.. диликаптар, кишмиш, шивирғониларнинг боши ерга тегай деб энгашган.* С. Абдулла, Бир шингили томоқни ёради. *Патнусдаги кишмишдан бир қисм олиб, уни тозаламасданоқ оғзига солди, кейин жавобсиз қолган гапни улаштирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИШНАМОҚ Кишнов товуши чиқармоқ (от ҳақида). *Елиб-йўрғалаб кетаётган тўриқ дафъатан тумшуғини баланд кўтариб, қаттиқ кишнади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Жанг ҳидини сезган арғумоқлар аччиқ кишнаб, осмонга сапчиди, оламни ваҳший қийқириқ ва қиличларнинг шарақ-шуруғи тутди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

КИШНОВ От кишнаганда чиқадиган ўзига хос товуш. *Қувноқ кишновларидир бу қаҳқаҳ саманларнинг..* F. Fулом.

КИШТ I Шахмат ўйинида: бирор дона билан шоҳга ҳужум ҳақида огоҳлантириш. *[Шайхулислом:] Балли! Кишт! [Мунажжим:] Э, асп кетди, тақсир!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Кишт бермоқ Шоҳга ҳужум қилмоқ ва шу ҳужумни эълон қилмоқ.

КИШТ II *айн.* **киш.** *Яқинда институтни битириб келган зоотехнигимиз жўжаларга: -Кишт, эй онангни эмгурлар, — деб сўкинди.* «Муштум».

КИЯ *с. т.* Бирор нарсани қадрламаслик натижасида юз берадиган ёмон оқибат, жазо. *Киясига учрамоқ. Киясига қолмоқ.* ▬ *— Шунақа бебурд, пасткашмидинг, Неъматжон. Илон бўлиб авраган экансан-ку мени, муҳаббат киясига учрагур! — деди Зуҳрахон.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. *Бизни десангиз, бу йўлдан қайтинг. Ҳа-ҳа, қизингизнинг киясига қоласиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўзларимиз юмуқ ўтсак бугун ҳам, Эртага киянгиз тутар бегумон.* «Ёшлик».

КЛАВИАТУРА [*нем.* Klaviatur < *лот.* clavis — калит] **1** Клавишли мусиқа асбобларида маълум тартибда жойлашган клавишлар мажмуи. *Рояль клавиатураси. Баян клавиатураси.*

2 Турли хил механизмлардаги клавишларнинг жами. *Ёзув машинкасининг клавиатураси.*

КЛАВИР [*нем.* Klavier — пианино < *фр.* clavier — калитлар учун ҳалқа] **1** Опера, оратория каби вокал-симфоник асарлар матнининг фортепьяно жўрлигида куйлашга ёки фортепьянонинг ўзида ижро этиш учун мослаштирилган шакли.

2 Торли клавишли мусиқа асбобларининг умумий номи.

КЛАВИШ [*лот.* clavis — калит] **1** Мусиқа асбобларида (фортепьяно, аккордеон ва ш. к. да) уларни ҳаракатга келтириб, овоз чиқариш учун уриладиган пластмасса тугма ёки тахтача. *[Мунис] Гоҳ хаёлчан тебраниб, пианинонинг клавишларига тикилиб қолар ва гоҳо илҳоми зўр келиб, яна ашуласини давом эттирар эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 Ёзув машинкаси, телефон аппарати ва ш. к. механизмларда уларни ишлатиш учун бармоқ билан босиладиган қисми, тугмаси. *[Машинка] Чиқир-чиқир, шўх-шўх куйлаб, Клавиши дик-дик ўйнаб, Оқ қоғозга ҳарф қўнар, Ҳарф йиғилиб, жумла бўлар.* Қ. Муҳаммадий. *Муолажани амалга оширувчи ҳамшира бор-йўғи бемор бошига ниқоб тугмаларини тақиб қўйиш ва асбоб клавишини босишнигина билиши кифоя.* Газетадан.

КЛАВИШЛИ Клавиши бор, клавишга эга. *Клавишли мусиқа асбоби.* ▬ *Математиклардан ўн киши космик ракетани лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифанинг ўн хил вариантини.. клавишли ҳисоблаш машиналари билан 7 ой ҳисоблаб чиқишлари керак эди.* Газетадан.

КЛАПАН [*нем.* Klappe — тўсиқ] **1** *тех.* Турли машина ёки механизмларнинг ҳаво, суюқлик, буғ ёки газ йўлини очиб-ёпиб турадиган қисми, қопқоқчаси. *Гудок клапани.* ▬ *Сиғимларнинг қопқоқлари зичлаб ёпилмаслиги ва ҳаво алмаштиргич клапанларининг йўқлиги туфайли анчагина ёнилғи*

ҳавога совурилмоқда. Газетадан. *Босим талабдагидан ортиб кетган пайтда, клапан босим системасидаги суюқликни фильтрларга оқизиб юборади.* «Янги техника».

2 Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобларининг ён томонларидаги очилиб-ёпилиб, овоз тонини ўзгартирадиган пардаси, тили.

3 *анат.* Ички бўш, ковак аъзонинг, ички пардаси бурмалардан иборат бўлган ва бирор бир тешикни тўсиб, беркитиб турадиган қисми. *Юрак клапани. Вена клапани.* ▬ *Ультратовуш ёрдами билан олинган кардиограмма юрак клапанларининг торайганини аниқлай олади.* «Саодат».

КЛАРНЕТ [*итал.* clarinetteo < *лот.* clarus – аниқ, равшан, тиниқ] Сурнайга ўхшаш тиниқ овозли ёғоч мусиқа асбоби.

КЛАРНЕТЧИ Кларнет чалувчи мусиқачи.

КЛАСС [*лот.* classis – даража, синф] **1** *қ.* **синф.**

2 Бирор даража ёки разрядга эга бўлган. *Иккинчи класс шофёр. Биринчи класс ҳарбий кема.*

КЛА́ССИК [*лот.* classicus – биринчи даражага оид, намунавий] **1** Фан, санъат, маданият, адабиётнинг машҳур, илмий ишлари, асарлари миллий ва жаҳон фани ва маданияти учун аҳамиятли бўлган, шу соҳада бошқаларга намуна бўладиган, эътироф этилган арбоби. *Ўзбек адабиёти классиклари.* ▬ *Жавонларда рус ва жаҳон классикларининг кўп жилдли асарлари қимматбаҳо муқоваларини кўз-кўз қилиб, ярқираб турарди.* О. Ёқубов, Диёнат.

2 Классик филология мутахассиси.

3 Классицизм вакили, издоши, тарафдори (*қ.* **классицизм 1**).

КЛАССИ́К 1 Классиклар томонидан яратилган, халқларнинг ифтихорига айланган, намуна бўладиган; мумтоз. *Классик асар. Классик фалсафа.* ▬ *Ушбу нашрга Лутфийнинг ўзбек классик шеърияти тараққиётига залварли ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб шеърий меросидан намуналар киритилди.* Газетадан.

2 Қадимги (антик) тиллар ва адабиётларни ўрганишга оид, алоқадор.

3 Классицизмга оид (*қ.* **классицизм 1**). *Классик трагедия.*

КЛАССИКА [*лот.* classicus – намунали] Адабиёт ва санъатга оид мумтоз, оламшумул аҳамиятга эга бўлган мукаммал асарлар. *Рус классикаси залидаги бир манзара олдида узоқ турдик.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

КЛАССИФИКАЦИЯ [*лот.* classis – даража, разряд + facere – қилмоқ] *қ.* **тасниф.** *Дунё тилларининг генеалогик классификацияси. Ўсимликлар классификацияси.*

Классификация қилмоқ *айн.* **тасниф қилмоқ** *қ.* **тасниф.** *Евклид сонларни классификация қилаётиб, жуфт ва тоқ сонларни текширди.* «Фан ва турмуш».

КЛАССИЦИЗМ [*нем.* Klassizismus < *лот.* classicus – намунали] 17-аср – 19-аср бошларида Европа адабиёти ва санъатида антик адабиёт ва санъат намуналари ва шаклларига мурожаат ва тақлид қилиш асосида шаклланган бадиий услуб ва оқим.

КЛЕЁНКА [*р.* клеёнка – смола, елим; ёпишқоқ нарса**]** Бир ёки ҳар икки томони сув ўтказмайдиган модда билан қопланган махсус мато. *Тўшак ва ўрин-бошни ифлос қилувчи касаллар ва ёш болалар тагига клеёнка солиниши лозим.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Нарироқдаги стол устида шундоққина қозондан олиб қўйилганича, ёғлари клеёнкага тушиб қотиб қолган чўмич, чўмич атрофида эса пиёз пўчоқлари билан нон увоқлари..* Д. Нурий, Осмон устуни.

КЛЕММА [*нем.* Klemme] Асбоб, аппарат ва электр машиналарда сим, шнур кабиларни уловчи ёки маҳкамловчи қисқич мослама. *Бу симлар учта-тўртта кетма-кет бирлаштирилган аккумулятор батареясининг клеммаларига ёки бошқа бирор доимий электр токи манбаига уланиши керак.* «Кимё» (дарслик).

КЛЕРИКАЛ Клерикализмга оид, клерикализм билан боғлиқ. *Клерикал доиралар.*

КЛЕРИКАЛИЗМ [*лот.* clerikalis – черковга оид, черковда бўладиган] Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида дин ва черков таъсирини кенгайтиришга, кучайтиришга уринувчи сиёсий оқим.

КЛЕТЧАТКА [*р.* клетка – катакча; қоплама] Ўсимлик ҳужайралари пардасининг асосий таркибий қисми; целлюлоза (саноатда хомашё сифатида ишлатилади). *Беҳининг баъзи навларида («чиллаки беҳи») кислота камроқ бўлгани учун шириндир ва унинг таркибида оқсил билан клетчатка бор.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

КЛЁШ [*фр.* cloche – қўнғироқ] Юбканинг ёки шим почасининг паст томонига кенгайиб борувчи алоҳида бичими. *[Гавҳар] Қизил кофта ва клёш этакли қора юбка кийган, битта қилиб ўрилган узун сочи бош орқасида лента билан бўғиб қўйилган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КЛИЕНТ [*лот.* cliens, clientis – ҳомийлик остидаги киши] **1** Ўз ишини олиб боришни адвокат, нотариус ва ш. к. га топширган шахс. *Коридорда турган клиентлар эса.. Хрусталёвдан дурустроқ адвокатни кутадилар.* Газетадан.

2 *с. т.* Доимий харидор ёки буюртмачи; мижоз. *Клиентга прейскурантдан ошиқ олинган 33 тийин қайтариб олиб берилди.* Газетадан.

КЛИЗМА [*юн.* klysma – ювиш, ювиб тозалаш] **1** Ични тозалаш ёки касалликни аниқлаш мақсадида махсус асбоб билан тўғри ичакка орқа тешик орқали турли хил суюқлик юборишдан иборат муолажа тури. *Врачлар ошқозонни ювишди. Болада ўзгариш сезилмади. -Клизма қилинглар, – буюрди Мария Ивановна.* Газетадан. *Овқатли (озиқ) клизма учун фақат суюқ нарсалар ишлатилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Шу ишни бажариш учун қўлланадиган асбоб.

КЛИМАКС [*юн.* klimax – зина, нарвон] Балоғат ёшидан катта ёшга ўтиш даврида жинсий безлар фаолиятининг сўниши; аёлларда ҳайз жараёнининг бузилиши ва кейин тўхташи тарзида намоён бўлади. *Дўланадан олинадиган доривор моддалар аёлларда климакс бошланишида тинчлантирувчи модда сифатида ишлатилади.* «Фан ва турмуш».

КЛИМАТ [*юн.* klima, klimatos – эгилиш; қиялик] *қ.* **иқлим.**

КЛИМАТОЛОГ Климатология мутахассиси. *Ёнғин сабабларини аниқлаш учун янги мутахассислик олимлари – суд климатологлари енг шимаришди.* «Фан ва турмуш».

КЛИМАТОЛОГИЯ [климат + logos – таълимот] *қ.* **иқлимшунослик**.

КЛИМАТОТЕРАПИЯ [климат + терапия] Иқлимий омиллардан даволаш-профилактика ва соғломлаштириш мақсадларида фойдаланиш; иқлим билан даволаш.

КЛИНИК 1 Клиникага оид, клиника билан боғлиқ. *Клиник шароит. Клиник даволаш.* ▬ *Кичик автобуслардаги кўчма лабораторияда эса сув ва тупроқ таркибини текшириш, клиник тадқиқотлар олиб бориш мумкин.* Газетадан.

2 Врач ёрдами (аралашуви) талаб этиладиган, шу йўл билан ҳал этилиши мумкин бўлган. *Касал(лик)нинг клиник шакллари.*

КЛИНИКА 1 [*юн.* klinike – ётган касални парваришлаш, даволаш] Беморларни ётқизиб (стационар) даволаш билан бирга, тиббий таълим ва илмий-текшириш ишлари олиб бориладиган махсус шифохона. *Хирургия клиникаси.* ▬ *Одатда, юқори медицина мактаби ўқувчиларининг ўқийдиган ва тажриба оладиган жойлари клиника деб аталади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Томоғининг яллиғланиши батамом қайтганини кўриб, профессор унга томоқ безини олдириш учун ўз клиникасига йўлланма берди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

КЛИНКЕР [*нем.* Klinker – йўлга ётқизиладиган тош] Махсус лойдан юқори ҳароратда куйдириб, ғишт шаклида тайёрланган ўта мустаҳкам сунъий тош (йўл-кўчаларга, шунингдек, саноат бинолари ери юзасига ётқизиш учун ишлатилади). *Кейин у [цемент] печга юборилиб, 1450 даражали ҳароратда куйдирилгандан сўнг, клинкер ҳосил бўлади.* «Фан ва турмуш».

КЛИП [*ингл.* clip – узиб, юлиб олмоқ; кесиб қўймоқ] **1** Эстрада ва б. хил қўшиқларни узуқ-узуқ бадиий лавҳалар, декорация, пейзаж манзаралари билан қўшган ҳолда тасвирга тушириш ва шу тасвирнинг ўзи; қисқа видеотасвир.

2 Қисқача реклама фильми.

КЛИРИНГ [*ингл.* clearing – ҳисоб-китоб қилиш] Мамлакатлар, компаниялар, корхоналар ўртасидаги ўзаро талаб ва мажбуриятлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими.

КЛИШЕ [*фр.* cliche < clicher – босиб из қолдирмоқ] *полигр.* Қоғозга босиш учун металл, ёғоч ёки тошга туширилган бўртма ҳарф, сурат, расм, план ва ш. к. *Рух клише.*

КЛОН [*ингл.* clone < *юн.* klon – шох, новда; авлод, насл] *биол.* Бир ҳужайра ёки бир организмнинг жинссиз кўпайиш йўли билан вужудга келган ҳамда бир хил генлар тўпламига эга бўлган барча авлод (насл)лари йиғиндиси, мажмуи.

КЛОНЛАШ(ТИРИШ) [*ингл.* cloning – жинссиз кўпайиш < *юн.* klon – шох, нов-

да; авлод, насл] *биол.* Ўз аждоди (ота-оналари)нинг биологик (генетик) нусхаси ҳисобланадиган авлод (насл)ни жинсий бўлмаган, оддий ҳужайрадан сунъий равишда қайта тиклаш, яратиш.

КЛУБ [*ингл.* club — бир жойда йиғилмоқ] **1** Кишиларнинг сиёсий онгини, маданиятини ва умумий савиясини ошириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш билан шуғулланувчи маданий-маърифий, сиёсий ёки бошқа характердаги ижтимоий ташкилот, муассаса. *..ёш туристлар учун клуб ташкилотчилари ғоят қизиқарли ва мазмунли программа тайёрлашди.* Газетадан.

2 Шу муассаса жойлашган бино. *Завод клуби. Тўқимачилар клуби.* ▬ *Ўшандаям овлоқдаги темирйўлчилар маданият саройининг клубида томоша кўришди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЛЮЧ [*р.* ключ — беркитиш асбоби, калит < *юн.* kleio — беркитаман] **1** *қ.* **калит 1, 2.** *Гайка ключ билан маҳкамланади.* ▬ *«Победа» тўхтади. Сайфи ключни олди. Ғаш билан айлантирди. Мотор уҳ тортиб, дуд берди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

КНОПКА [*голл.* knoop — тугун, тугма] **1** Қоғоз, мато ва ш. к. ни қаттиқ нарсага қадаб қўйиш учун ишлатиладиган кенг қалпоқчали, босма михча. *Қўзибой газетанинг тўрт бурчагини кнопка билан столга маҳкамлади.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

2 Турли механизмларда (мас., электр қўнғироқда) токни улаш учун бармоқ билан босиладиган тугмача. *Холмат электр қўнғироқ кнопкасини босиши билан, хона ичкарисидан ёқимли овоз эшитилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КНЯЗЛИК *тар.* **1** Князь қўл остидаги ўлка. *19-аср бошида Германияда 300 га яқин майда феодал князликлар бўлган.* И. М. Мўминов, Танланган асарлар.

2 Князнинг амали, унвони.

КНЯЗЬ [*р.* < *қад. нем.* kuning — қабила, уруғ оқсоқоли] *тар.* **1** Феодал-князлик давридаги Русда аскар бошлиғи ва вилоят ҳокими.

2 Чор Россиясида: мерос тариқасида ёки чор ҳукумати олдидаги хизматлари учун берилган фахрий унвон ҳамда шу унвонга эга бўлган шахс. *Олмос эътимодли князь Аҳмаднагар саройига топширилди.* С. Каро- матов, Олтин қум. *Князнинг уч жойда водокачкаси бор эди, шулардан биронтасига одам керак эмасмикин, деб идорасига борсам, саркори ўзимизнинг бувайдалик чиқиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КОАЛИЦИОН 1 Коалицияга оид, коалиция аъзолари ўртасида тузилган. *Коалицион шартнома.*

2 Коалицияга асосланган. *Коалицион ҳукумат.*

КОАЛИЦИЯ [*лот.* coalitio — уюшма; coalitus — бирлашган] Умумий мақсадга эришиш учун ташкил этилган кўнгилли бирлашма, иттифоқ; коалицион ҳукумат. *Бу сайлов янги сиёсий системанинг энг муҳим принциплари — кўп партиялилик ва коалиция принциплари амал қила бошлаганидан далолат беряпти.* Газетадан.

КОБАЛЬТ [*нем.* Kobalt < Kobold — ер остидаги конларни, хазинани қўриқловчи митти жин] **1** Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, қизғиш товланадиган кумушсимон оқ, қаттиқ металл.

2 Шу металл бирикмаларидан олинган тўқ-кўк бўёқ.

КОБИЛИ: кобили шўрва Гўшт, тухум ва турли резаворлар солиб, жуда лаззатли қилиб тайёрланган қовурма шўрва. *Меҳмонлар жуда усталик билан пиширилган қозонкабобни иштаҳа билан еб, устидан бир косадан кобили шўрвани ичиб, оғир нафас олишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг дардига на саримсоқ пиёз ва на кобили шўрва даво бўларди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КОБРА [*порт.* cobra] Иссиқ ўлкаларда яшовчи, бўйни чипор, жуда заҳарли йирик илон; кўзойнакли илон. *Ўрта Осиё кобраси барча миқёсдаги «Қизил китоб»да қайд этилган.* «Фан ва турмуш». *Майдонда найрангбоз — кобра билан мангустнинг жангини кўрсатмоқда.* «Фан ва турмуш».

КОВАК [*ф.* کاواک — бўш жой, бўшлиқ; тешик; ин, уя] *қ.* **кавак.** *Ёнғоқ дарахти ковакларига асаларилар уя қуради.* Ж. Абдуллахонов. Орият. *Тепалик ўйилиб, қўрадай катта ковак ҳосил бўлган.* Газетадан.

КОВАТОК Ток баргига қийма ва гуруч (ёки фақат қийма) ўраб пишириладиган таом; токбарг дўлма. *Дастурхонга тортишда коваток шодани аста олиб, паловни аралаштириб, лаганга соласиз, юзига коваток-*

ни қўйиб, ипини узиб ташлайсиз. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Ўзбекистонда коваток дўлма баҳор фаслида, узумнинг янги баргидан тайёрланади.* «Саодат».

КОВБОЙ [*ингл.* cow-boy < cow – сигир + boy – йигит] АҚШнинг ғарбий штатларида: отлиқ чўпон, подачи; мард, жасур йигит.

КОВБОЙКА [*р.* < *ингл.* cow-boy – отлиқ чўпон] Махсус бичимга ва қоплама чўнтакларга эга бўлган, катак-катак матодан тикилган эркаклар уст кўйлаги. *Устида ёқаси ва чўнтаклари занжирли, ихчам қора ковбойка, матросча шим кийган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КОВЕРКОТ [*ингл.* covertcoat < covert – бичиқ, бичим + coat – кийим] Юнгдан ёки юнг аралаштириб тўқилган ва асосан устки кийим (мас., костюм) тикиш учун ишлатиладиган мато. *..кечагина машиначи қўлидан чиққан бостон ёки коверкотдан тикилган костюмингиз бўлса, кайфингиз чоғ, ўзингиз шириндимоғ!* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *У қўлидаги учли қора қаламини раисникидай кулранг коверкотдан тикилган.. кителининг чўнтагига солди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КОВИЯ [*ф.* کاو (ی) – куйдирувчи, емирувчи] *махс.* Металл буюмларнинг қисмларини бир-бирига улаш, пайвандлаш, кавшарлаш учун мўлжалланган асбоб.

КОВИЯЛАШ Металл буюмларнинг қисм ёки чокини ковия ёрдамида ёпиштириш ёки ёриқ-тешигини беркитиш.

КОВ-КОВ [*ф.* کاوکاو – ковлаш, қазиш; диққат билан текшириш, қидириш]**: ков-ков қилмоқ** Обдан, миридан-сиригача текширмоқ, текшириб остин-устин қилмоқ. *..тегишли ташкилотлар ков-ков қилганда, мен берган таниғлик (белги қўйилган) 100 сўмлик ҳам чиқди-ю, сир очилди.* «Муштум».

КОВЛАГИЧ Бирор нарсани ковлаш, ўйиш ёки қазиб чиқариб олиш учун ишлатиладиган асбоб.

Тиш ковлагич Тиш орасига кириб қолган овқатлардан тишни тозалаш учун ишлатиладиган, учи чиқарилган пат ёки чўп. *Ахир инсонга уй-жойдан тортиб тиш ковлагичгача даркор.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

КОВЛАМОҚ 1 Ичига қараб ўймоқ, ўйиб чуқур қилмоқ, қазимоқ. *Ариқ ковламоқ. Ўра ковламоқ. Қудуқ ковламоқ.* ▬ *Ғуломжонлар шу бир неча кун ичида унгурни уч қулочдан ортиқ ковлаб қўйдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўзинг ковлаган гўрга ўзинг кир!* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

2 Ковлаш асбоби воситасида ёки бошқа йўл билан ердан, тупроқ ичидан чиқариб олмоқ, қазиб олмоқ. *Картошка ковламоқ. Кўмирни ковлаганга ёқтир, молни миришкорга боқтир.* Мақол. ▬ *Тўнкаларни ковлаб, бир чеккадан ёрилса, талай ўтин беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бармоқ ёки бирор нарса тиқиб тозаламоқ. *Самовар тагини ковламоқ.* ▬ *Маматурди қора, синчалоғи билан ўнг қулоғини бир ковлаб олгач.. уйидан чиқади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Ковлаб турмасангиз, чўғни ҳам кул босади.* «Қанотли сўзлар».

4 Бирор нарса билан остин-устин қилиб ағдармоқ, айлантирмоқ. *Ўтни ковламоқ. Қозондаги овқатни ковламоқ.* ▬ *Бир девона.. гулхан теварагидан айланиб, қўлидаги косови билан тўрт томондан ковлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *с. т. айн.* **ковлаштирмоқ.** *Ўтни ковласанг – ўчар, қўшнини ковласанг – кўчар.* Мақол. ▬ *Менинг фуқаром бир ота, бир онанинг болаларидай иттифоқ, бир-бирини ковлашни билмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳадеб бузилавергандан кейин у ёғини ковлайди, бу ёғини ковлайди, хуллас, ичида нимаси бўлса, барини билиб олади.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

6 Қўл солиб қидирмоқ, ахтармоқ, титкиламоқ. *Ғуломжон гадойнинг бўш, очиқ қўлига бир нарса ташлаш учун чўнтакларини ковлай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аёл сакраб пастга тушди-да, сумкасини ковлаб, пул қидира бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

7 *кўчма* Миридан-сиригача текширмоқ, суриштирмоқ, кофтуков қилмоқ. *Ота-бувамни ковлаб, газетага уриб чиқишди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *-Ҳамма нарсага разм солиб, ковлаб юрасан-а, писмиқ! – жеркиб ташлади [Гулнорни] Нури.* Ойбек, Танланган асарлар.

Гап ковламоқ (кавламоқ) *қ.* **гап** I.

КОВЛАШТИРМОҚ 1 Ковлаб, титкилаб қарамоқ, қидирмоқ, ахтармоқ; титкиламоқ. *Сандиқни ковлаштирмоқ.* ▬ *Қани юринг-чи, лабораторияни ковлаштириб кўрайлик, гормонли сиворотка (зардоб)дан бир оз бўлса керак.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Сир олиш мақсадида суриштирмоқ, кофтуков қилмоқ. *Гап ковлаштир-*

моқ. Ковлаштириб билмоқ. ▬ *[Терговчи] Қодировнинг аризасига қаттиқ ёпишиб олиб, ҳадеб мени ковлаштира берди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 Ғараз, ёмон ният билан текшириб суриштирмоқ, кимсанинг обрўсини тўкишга уринмоқ.

КОВУЛ *айн.* **кавар.** *Чол бу гал оппоқ гуллаб ётган ковул устига чалқанча йиқилди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

КОВУШ *қ.* **кавуш.** *У ковушини маҳсисининг учига илиб, ҳовлига тушар экан, хотинига қайта таъкидлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

КОВШ [*ф.* کاوش — кавлаш, қазиш, чуқурлаш; қидирув, тергов; изланиш] Экскаватор кранининг бошига (учига) ўрнатилиб, ерни ковлаш, тупроқ олиш ва ш. к. учун хизмат қиладиган, ўткир темир тишлар ўрнатилган ичи чуқур мослама. *Ковшларга ҳам ўткир бурчакли тиш қўйиб, олтинчи даражали ерда ҳам ишлайдиган қилинди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Кичик метражли бетон қорувчи машиналарнинг барабанлари тўнкариладиган қилиб ясалган бўлиб, унга материаллар ковш билан солинади.* А. Асқаров, Бетончилар учун эслатма.

КОВШЛИ Ковши бор, ковш ўрнатилган. *Цемент одатда бетон қориш бўлимига ковшли элеватор ёрдамида узатилади.* Газетадан.

КОД [*фр.* code < *лот.* codex — қонунлар мажмуи] Алоқа (телеграф, телефон, радио ва ш. к.), автоматик бошқариш тизимларида, ЭҲМ (электрон-ҳисоблаш машиналари)да исталган ахборотни узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун қўлланадиган, маълум тартибдаги шартли белги, рамз (символ)лар ёки сигналлар тизими. *Телеграф коди.*

КОДЕКС [*лот.* codex — китоб; қонунлар, қарорлар тўплами] Ижтимоий муносабатларнинг бирор ўхшаш соҳасига (мас., ҳуқуққа) оид тартибга солинган қонунлар тўплами. *Жиноят кодекси. Фуқаролар кодекси. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси.*

КОДИФИКАЦИЯ [*лот.* codificatio — кодекс тузиш < codex — қонунлар мажмуи + facere — қилмоқ, бажармоқ] Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини қайта ишлаш йўли билан уларни бир бутунликка келтириш жараёни.

КОДЛАШ(ТИРИШ) Ахборотларни фойдаланиладиган кодга мос шартли белгилар, тасвирлар ва б. мажмуига айлантириш; ахборотларни кодлар шаклида ифодалаш. *Ахборотни бир хил белгили тизимдан бошқа хилдаги тизимга ўтказиш жараёнига ҳам кодлаш дейилади.* «Политехника луғати».

КОЖ [*ф.* کج — эгри, қинғир] Қайсар, ўжар. *Кўп насиҳат тинглаб Эркин, қилмади ҳеч тарки ишқ, Бор масалким, иш юришмас, соҳиби гар бўлса кож.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

КОЖУХ [*р.* кожух — қўй терисидан қилинган пўстин] *тех.* Машина, механизм, асбоб ва ш. к. нинг устки (ташқи) ҳимоя қопламаси (капот, покришка, ғилоф каби). *Эргашев пулемётидан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув самовардагидек варақлаб қайнар эди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

КОЗЁЛ [*р.* козёл — така, эчки] *спрт.* Гимнастика машқлари учун мўлжалланган, калта тўрт оёқли, усти чарм билан қопланган мослама.

КОЗИР [*р.* козырь — ўйин картаси номи; баланд тик ёқа] **1** *айн.* **кузир 1.**

2 *с. т. айн.* **кузир 2.** *..биз мана шунақа «туз» козирлардanмиз.* Р. Раҳмонов, Довруқ.

КОЗИРЁК [*р.* козырёк — эшик тепасидаги соябон) Шапка, кепка, фуражка каби бош кийимининг пешонада олдинга чиқиб турадиган қаттиқ ярим доира қисми, соябони. *Козирёги бир қарич келадиган чипор шапкасини бошидан олиб, қозиққа илди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

КОИНОТ [*а.* کائنات — барча мавжуд нарсалар] Моддий оламнинг кузатиш мумкин бўлган, бизни ўраб турган барча қисми, бутун борлиқ, еру осмон, олам. *Улуғбек коинот ва юлдузлар оламини ўрганишда.. илмга, фанга асосланган янги мунажжимликка асос солди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

КОЙИМОҚ 1 Танбеҳловчи гап, сўз айтмоқ, танбеҳ бермоқ, уришиб қўймоқ. *Она бўлгандан кейин вақти келса — койийди, вақти келса эркалайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *-Нормурод ака, — деди у, — сиз ишни буздинг, деб мени койидингиз, эҳтимол, билмасдан, тажрибасизликдан бузган бўлсам.* С. Айний, Қуллар.

2 *айн.* **койинмоқ**. *Мулла Норқўзи бу одамнинг оддий ҳақиқатни англамаслигидан*

койиди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Раҳимнинг ўзбошимчалигидан [Умурзоқ аканинг] бунчалик койиб гапириши Қудратни янада ҳушёр қилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 *кам қўлл.* Бирор нарса тайёрлаш учун уринмоқ, овора бўлмоқ. *Йўлчи қишлоқдан келтирган халтани кампирга узатди: -Аям бериб юборди, қурут.. -Садағаси кетай, — кампир халтани ушлагиси ҳам келмай, қўл учи билан тутиб гапирди, — койиб нима қилар эди бечора.* Ойбек, Танланган асарлар.

КОЙИНМОҚ Бирор нарсадан шикоят қилмоқ, зорланмоқ, хафа бўлмоқ. -*Эҳ, одамнинг гўли қурсин-да, — элликбоши Ҳасан овчидан койинади. — Бошида бахт қуши билан бу одам от бозорида нима қиларкан-а?* Ш. Тошматов. Эрк қуши. *Салмоқдор оғир шудринг Олча шохларин эгди, Қариликдан койиниб, Мичурин боққа кирди.* Қ. Муҳаммадий.

КОЙИТМОҚ Уриниб (уринтириб) қийнамоқ. *Пошша хола ичкаридаги ишларини саранжомлаб, қизи устига келди: -Тур ўрнингдан. Ўзингни койитаверма.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Койитиб чарчатдинг минган отингни..* «Баҳром ва Гуландом».

Жонини койитмоқ *қ.* **жон 2.**

КОЙИШ 1 Койимоқ фл. ҳар. н. *Шеригимиз ранги ўчиб, қалтираб.. домланинг этакларини кўзига суртса ҳам, мутаассиб мударрис койишдан тўхтамади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Койиб, уришиб айтилган гап, сўзлар. *Саодатхон ўн еттига кириб, ҳалигача ойисидан бунчалик койиш эшитмаган эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг бахти. *[Усталар] Битмай қолган кийимларнинг эгаларидан койиш ва сўкиш эшитардилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

3 *фольк.* Умуман, уриниш, койинишли ҳолат, қийин, ғам-ташвишли ҳолат. *Тухмат билан қолдик ушбу койишга. Отамиз ҳайдатди бу улуғ даштга.* «Эрали ва Шерали». *Койишларим бўлди менинг зиёда, Сенинг учун войим ортди дунёда.* «Ойсулув». *Фалакка етар нолишинг, Кўп бўлди, эна, койишинг.* «Муродхон».

КОЙКА [*голл.* kooi — кемадаги ётоқ жой < *лот.* cavea — ҳужра, каталак] Бир кишилик каравот, жой (касалхона, ётоқхона ва ш. к. ларда). *Маҳкам койкалар ва тумбочкалар билан қуршалган столга қаради.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Торгина хонада яна бир койка бўлиб, унда кимдир жимгина ётар, афтидан, ҳали ҳушига келмаган эди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

КОЙКАЛИ Койкаси бор, койкага эга бўлган; ўринли. *Қишлоқнинг энг хушманзара жойига юзта койкали янги типдаги болалар боғчаси қурмоқчимиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

КОЙНЕ [*юн.* koinos — умумий] *тлш.* Бир неча ўзаро яқин, қариндош лаҳжаларнинг аралашувидан ҳосил бўладиган ва охир-оқибат уларнинг барчасини алмаштирадиган, улар ўрнида қўлланадиган тил.

КОКАИН [*исп.* cocaina < coca — тропик бута] Тропик ўсимлик (кока) баргидан олинадиган алкалоид, кучли наркотик модда (тиббиётда баданни оғриқ сезмайдиган қилиш учун ишлатилади). *1985 йили врач Пеоло Мантагац кокаин алкалоидини ажратишга муваффақ бўлди.* «Фан ва турмуш». *Масалан, кокаин бирор ерга суртилса, ўша жойнинг ўзгинасини сезгисизлантиради.* «Фан ва турмуш».

КОКЕТКА [*фр.* coquette — танноз, ишвагар, тантиқ аёл] *махс.* Кўйлак ёки блузканинг кўкрак усти ва елкани ёпиб турувчи юқори улама қисми; унга пастки улама қисм қўшиб тикилади.

КОКИЛ [*ф.* کاکل — пешона гажак; бир тутам соч; тож] **1** Соч ўрими. *Майда ўрилган қора, узун кокиллари белига тушади.* ▬ *[Бой ўз-ўзига:] Ана ҳусн, ана малоҳат! Ҳисобсиз кокил, қўнғир сочларига нима дейсан? Тақимини ўпади-я, тақимини!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Мунисахон енгил кийимида, узун ва йўғон-йўғон икки кокилини бошига ўраган, унинг устидан тагдўзи дўппи кўриниб турар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Эски вақтда ёш йигит-баччаларни ўйинга солишда бошига кийдириладиган узун ясама соч. *Худди мана шу меҳмонхонада тонг отгунча қартабозлик бўлар, ёш-ёш йигитларга кокил солиб ўйнатишарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 *этн.* Назр қилиб, ёш болалар бошида қўйиладиган (маълум вақтгача қолдириладиган) бир ўрим соч. *Учинчи синфга ўтганидаям, Тоштемирнинг икки қарич келадиган кокили бор эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қўқонда Ҳакимча табиб номи билан танилган Ибн Ямин ўғлининг кокилини қирқтириш учун..*

арава кира қилиб, Шоҳимардонга олиб келди ахир. К. Яшин, Ҳамза.

4 Баъзи нарсалар учига (бошига) осиб, қадаб қўйиладиган соч, попук ва ш. к. га ўхшаш нарса. *Наврўзда қизалоқлар толбаргдан кокил, бинафшадан исирға, қоқилардан зулф қилиб, чамбар тақадилар.* Газетадан. *У эгнига зарбоф тўн кийган.. бошига кокил осилган дубулға қўндириб олган эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Кўк сатин белбоғига бойланган оқ суяк сопли пичоқ ва кокилларига мунчоқ тақилган қиндони отнинг йўрғасида тебраниб боради.* Ҳ. Шамс, Душман.

5 *кўчма* Баъзи нарсаларнинг шунга (кокилга) нисбатини (қиёсан ифодасини) билдиради. *Улар кокиллари сув ўпиб турган мажнунтоллар тагидаги ариқда юз-қўл ювишаркан, Қулаҳматни аскияга олишарди.* «Гулдаста». *Тоғларнинг ортига қўйиб аста бош, Кокилин оҳиста йиғиб олди ой.* Нурбек, Умид ўғли. *Заъфар қирда саман отнинг кокилини ой ўпар.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Эндигина кўтарилаётган қуёш заррин кокилларини ёзиб жилва қилмоқда.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

6 *махс.* Заргарликда: қулоқ, соч, бўйин ва қўлтиққа тақиладиган безаклар (исирға, қўлтиқтумор ва ш. к.)нинг осилиб турган қисмлари; шокила.

КОКИЛДОР Бошида кокили бор. *Ҳасан қайғичи кокилдор боланинг қўлидан қозиқлунгини олиб, бошига салла қилиб ўради..* С. Сиёев, Аваз.

КОКИЛЬ [*фр.* coquille — чиғаноқ, пўст, қобиқ; ковак] *махс.* Металл буюмлар қуймаларини тайёрлашда кўп марта фойдаланиладиган металл қолип.

КОКОС [*исп.* cocos; *бирл.* — coco] Танаси ҳалқа-ҳалқа, барги патсимон бўладиган, баланд бўйли доим яшил пальма дарахти ҳамда унинг жуда катта ёнғоққа ўхшаш меваси. *Кокос мойи. Кокос ёнғоғи.* ▬ *Кокос пальмасининг бўйи кўпинча 20—30 метр бўлади, баъзилари эса 50 метр бўлади.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

КОКС [*нем.* Koks < *ингл.* coke] Тошкўмир, торф, нефть қолдиқлари ва ш. к. ни ҳавосиз қиздиришдан ҳосил бўладиган углеродли қаттиқ қолдиқ (қора металлургияда ёқилғи сифатида ишлатилади).

КОКСЛАМОҚ Тошкўмир, торф ва ш. к. ёқилғиларни махсус печларда ҳавосиз қиздириш йўли билан коксга айлантирмоқ. *Бўёқ олиш учун нефть чиқиндилари ва тошкўмирни кокслашдан олинган маҳсулотлар асосий хомашё ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

КОКТЕЙЛЬ [*ингл.* cocktail — хўрознинг думи] **1** Спиртли ичимликларнинг (коньяк, ром ва б.) баъзан қанд, мева ва турли зираворлар қўшиб тайёрланадиган, совитилган аралашмаси. *-Қани юринг, бир қултум коктейль ичамиз, — деди у.. дастурхон ясатилган узун фойега бошлар экан.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 Мева шарбати, сут ва ш. к. ларга шакар, резавор ва б. қўшиб тайёрланадиган алкоголсиз ичимлик.

КОЛБА [*нем.* Kolben] Кимёвий тажрибаларда ишлатиладиган бўғзи узун ва тор, шар ёки конус шаклидаги шиша идиш. *У [Азиз ака] колбадаги эритмани синчиклаб кузатди-ю, нималарнидир ёзиб қўйди.* «Саодат».

КОЛБАСА [*р.* колбаса < *т.* kulbasti — товада қовурилган, тоблаб пиширилган гўшт] Ичакка ёки сунъий қобиққа (плёнкага) қийма, гўшт тиқиб тайёрланган овқат маҳсулоти. *Дудланган колбаса. Колбаса цехи.* ▬ *Вакил учинчи қадаҳни ҳам бўшатиб, колбасани газак қилгач, суҳбатни давом эттирди.* Газетадан.

КОЛЕНКОР [*фр.* calencar — шарқона ип газлама номи] Крахмаллаб ёки елимлаб қотирилган оқ ёки рангли пишиқ сурп (асосан муқовалар учун ишлатилади). *Коленкор муқовали кичкина дафтарчанинг майда-майда катаклари ғуж-ғуж рақамларга тўла.* Газетадан.

КОЛИБРИ [*исп.* colibri] Узун қанотли, патлари ранг-баранг энг кичик қушлардан бири (асосан Марказий ва Жанубий Америкада тарқалган).

КОЛИТ [*юн.* kolon — йўғон ичак] *тиб.* Йўғон ичакнинг юқумли касаллик, нотўғри овқатланиш ва б. сабаблар натижасида ўткир ёки сурункали яллиғланиши.

КОЛЛАЖ [*фр.* collage — елимлаб ёпиштириш] Тасвирий санъатда: бирон-бир асос материалга ундан ранги, кўриниш сифати билан фарқланувчи материалларни ёпиштириб, муайян асар яратиш усули ва шу усулда яратилган асарнинг ўзи.

КОЛЛЕГИАЛ [*лот.* collegialis — бирлашган, биргаликдаги] Коллегияга тааллуқли,

оид; яккабошчилик асосида эмас, бир қанча киши билан биргалашиб, кенгашиб амалга ошириладиган. *Баъзи ташкилотларда.. коллегиал раҳбарлик принципларини бузиш, шахсий масъулиятдан бўйин товлаш.. ҳоллари юз бермоқда.* Газетадан.

КОЛЛЕГИАЛЛИК Бошқарувнинг раҳбарий ваколатли шахслар гуруҳи (коллегия) томонидан амалга ошириладиган усули; коллегиал тарзда иш тутиш. *Хўжалик ишларига раҳбарлик қилишда коллегиаллик принципига амал қилиш керак.* ▬ *Ўқув юртларини бошқариш унинг ўз-ўзини бошқаруви, унга эркинлик ва ташаббускорлик берилиши, коллегиаллик ва ошкораликнинг ривожланиши билан мужассамлашган ҳолда олиб борилади.* Газетадан.

КОЛЛЕГИЯ [*лот.* collegium — ширкат, уюшма < collega — хизматдош ўртоқ] **1** Бирон раҳбарлик қилувчи, маслаҳат (кенгаш) берувчи, бошқарувчи органни ташкил қиладиган шахслар гуруҳи. *Вазирлик коллегияси.*

2 Айрим касб аҳлларининг ихтиёрий уюшмаси. *Адвокатлар коллегияси.*

3 *тар.* 18-асрда Россиядаги марказий бошқарув муассасаларининг номи. *Ташқи ишлар коллегияси.*

КОЛЛЕЖ [*ингл., фр.* college — ўртоқ, б납одар; ўқув юрти] **1** Буюк Британия, АҚШ ва б. баъзи мамлакатларда: ўртадан олийгача бўлган турли хил ўқув юртлари.

2 Франция, Бельгия, Швейцария ва б. баъзи мамлакатларда: ўрта ва тўлиқсиз ўрта ўқув юрти.

3 Ўзбекистонда: ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юрти.

Касб-ҳунар коллежи Давлат таълим стандартлари асосида ўқувчиларга ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини берувчи, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратувчи ўқув муассасаси.

КОЛЛЕКТИВ I [*лот.* collectivus — тўпланган, терма, умумий] *қ.* **жамоа.**

КОЛЛЕКТИВ II *сфт. қ.* **жамоа, жамоавий.**

КОЛЛЕКТИВИЗМ [*фр.* collectivisme — йиғиш; тўпланиш] Дўстона ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамга асосланган ҳаёт, турмуш тарзи; шўро даврида: ижтимоий ҳаётнинг меҳнаткашлар шахсий манфаатини кўпчилик манфаатига онгли равишда бўйсундиришга, одатда унга қарама-қарши қўйишга асосланган ҳамкорлик принципи; коллективчилик.

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ *тар.* Шўро даврида: 20-асрнинг 20—30-йилларида майда-майда деҳқон хўжаликларидан оммавий тарзда йирик коллектив хўжаликлар (колхозлар)ни ташкил қилиш. *У [Сафаров] коллективлаштиришда йўл қўйилган хатоларни эътироф қилди, бундан кейин колхозга кириш-кирмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёрида эканини айтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КОЛЛЕКТОР [*лот.* collector — тўпловчи] **1** Зах қочириш (дренаж) тармоғининг сув йиғувчи қисмидан келаётган (сизот) сувни тўплаб, суви қочирилаётган майдондан бошқа томонга оқизиб, чиқазиб юбориш учун хизмат қиладиган дренаж қувури ёки очиқ канал; сизот сувларни тортадиган катта зовур. *Мавжуд коллектор-зовур тармоқларини лойдан ва бегона ўтлардан тозалаб туриш ҳам катта аҳамиятга эга.* «Фан ва турмуш». *Машинамиз коллектор ёқалаб чўл ичкарисига кириб боради.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 *махс.* Канализация тармоғининг канализация ҳовузларидан оқова сувларни йиғадиган қисми (бетон, темир-бетон ёки керамик блоклардан қилинадиган қувур, ҳовуз кабилар).

3 *махс.* Алоқа кабеллари ҳамда сув, газ ўтказувчи ва б. қувурлар ётқизиладиган ер ости йўлаклари.

4 *тех.* Айрим техник қурилмаларнинг номи, мас., ички ёнув двигателининг чиқариш ва киритиш коллектори.

5 *тех. физ.* Электр токи частотасини механик тарзда ўзгартирувчи мослама; конструктив жиҳатдан электр машина ротори (якори) билан бирлаштирилган бўлади.

6 Бирор нарса намуналарини тўплаш, рўйхатга киритиш, сақлаш ва тарқатиш билан шуғулланувчи муассаса ёки шахс. *Кутубхона коллектори.*

КОЛЛЕКЦИОНЕР [*фр.* collectionneur < *лот.* collector — тўпловчи, йиғувчи] *айн.* **коллекциячи.** *Швейцария пули билан 4 минг франк турадиган бу пичоқни фақат бой*

коллекционергина сотиб олиши мумкин. Газетадан.

КОЛЛЕКЦИЯ [*лот.* collectio – тўплаш, йиғиш] Бир хил, бир турдаги айрим нарсаларнинг (мас. танга, марка, китоб ва ш. к. ларнинг) тартибга солинган тўплами. *Капалаклар коллекцияси. Қадимги маркалар коллекцияси. Минераллар коллекцияси.* ▬ *Нормат ҳозирги рассомларнинг суратларини коллекция қилади, ботинка ипига пули бўлмаса ҳам, сўнгги чақасига бориб сурат олади.* А. Мухтор, Чинор. *..бу портрет коллекциямнинг гули бўлади.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

КОЛЛЕКЦИЯЧИ Коллекция тўпловчи.

КОЛЛИЗИЯ [*лот.* collisio – ўзаро тўқнашиш; шикастланиш] Қарама-қарши кучлар, қарашлар, интилишлар, қизиқишлар тўқнашуви; бадиий асарда: тасвирланаётган турли қаҳрамонларнинг характерлари ўртасидаги, ҳаракатлар билан шароит, ҳолат ўртасидаги зиддият, қарама-қаршилик. *Ундаги адашиш, кейин тўғри йўлга тушиб олиш коллизияси, бу борадаги кечинма ва интилишлар драманинг асосини ташкил этади.* «ЎТА». *Муаллиф ғояни очишда характерларнинг ички курашига, психологик коллизиясига амал қилган.* Газетадан.

КОЛЛОДИЙ [*юн.* kollodes – ёпишқоқ] Нитроцеллюлозанинг спирт билан эфир аралашмасидаги эритмасидан иборат қуюқ ёпишқоқ модда (тиббиёт ва фотографияда ишлатилади).

КОЛЛОИД [*юн.* kolla – елим + eidos – кўриниш; ўхшаш, -симон] *ким.* Кристалланмайдиган, сувда эритилганда, лойсимон қуюқ эритма ҳосил қиладиган модда (мас., елим, крахмал, оқсил).

КОЛЛОКВИУМ [*лот.* colloquium – ўзаро суҳбат] **1** Таълим тизимида ўқувчиларнинг, талабаларнинг билим даражасини аниқлаш ва ошириш мақсадида ўқитувчининг улар билан ўтказадиган суҳбати, имтиҳоннинг бир тури.

2 Маъруза юзасидан баҳс-мунозара ўтказиладиган илмий мажлис, йиғилиш.

КОЛОНИСТ *қ.* **колониячи.**

КОЛОНИЯ [*лот.* colonia – манзилгоҳ, тураржой; кўчириш, кўчириб жойлаштириш] **1** Хорижий давлат (метрополия) ҳукмронлиги (салтанати) остидаги, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан унга қарам бўлган ҳамда махсус тартиб асосида бошқариладиган мамлакат ёки ҳудуд; мустамлака.

2 Бирор мамлакат ёки шаҳарга бошқа мамлакатдан кўчиб келиб ўрнашган муҳожирлар ва уларнинг манзилгоҳи. *Чор Россиясида немислар колонияси.*

3 Маҳбусларнинг суд томонидан белгиланган жазо муддатини ўтайдиган жойи. *Ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияси. Болалар колонияси. Аёллар (хотин-қизлар) колонияси.*

4 *биол.* Жинссиз кўпайишда она организмидан ажралиб кетмай, бир-бирига ёпишиб яшовчи жониворлар туркуми, тўдаси. *Маржонлар колонияси.*

КОЛОНКА [*р.* < *фр.* colonne < *лот.* columna – устун] **1** Устун шаклидаги турли асбоб, идишларнинг номи. *Бензин колонкаси.* ▬ *«Илғор» маҳалласида давлат маблағи ҳисобига 57 та водопровод колонкаси ўрнатилди.* Газетадан.

2 *айн.* **сутун 2.** *Олти колонкали газета саҳифасини.. янги ўқув йилига тайёргарлик, ёз хотиралари тўғрисидаги хабар ва шеърлар безатган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КОЛОННА [*фр.* colonne < *лот.* columna – устун; қозиқ] **1** *архит.* Иморатнинг томи, пештоқи, ички қисмлари ва ш. к. ни кўтариб туришга хизмат қиладиган, асоси айлана ёки тўғри тўртбурчак шаклида бўладиган таянч, устун. *У [қоровул] қайтиб келганда, новча киши иморатга узоқдан кўзини гоҳ қисиб, гоҳ катта очиб қарар, пакана йигит унинг колонна ва деворларига чертиб, дераза ва эшикларининг бўёғини тирнаб, ҳидлаб кўрар.. эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Деразалари кенг ва эшик олди оппоқ чиройли колонналар билан безалган клуб биноси.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий бўлинмаларнинг бирин-кетин тизилган сафи; кетма-кет тизилиб борувчи одамлар, машиналар ва ш. к. гуруҳи, сафи. *Тревога эълон қилиниши билан солдатлар дарахт паналарига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Колонна дарвозага бурилиб, ҳовлига кирди ва олдиндаги капитаннинг командаси билан тўхтади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Шу чоқ танклар колоннаси етиб келди-да, йўлда туриб олиб, тепаликка тўп ота бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КОЛОНТИТУЛ [*нем.* Kolumnentitel < *фр.* colonne – устун + *лот.* titulus – битик,

ёзув; фахрий унвон] *полигр.* Ҳар бетнинг устки ҳошиясига ёзилган сарлавҳа, муаллиф номи (журнал, тўплам ва ш. к. да) ёки ҳар бетнинг устки ҳошиясига босилган биринчи ёки охирги сўз, ҳарф (луғатда).

КОЛОНЦИФРА [*нем.* Kolumnenziffer] *полигр.* Китоб, журнал ва ш. к. нинг бетларига қўйилган тартиб рақамлари.

КОЛОРАДО [АҚШдаги дарё ва штат номи (Colorado)дан]: **колорадо қўнғизи** Барг, ўсимлик еювчи, қўнғизлар оиласига мансуб, картошка ва б. маданий ўсимлик (экин)лар учун ўта хавфли зараркунанда ҳашарот.

КОЛОРИТ [*итал.* colorito < *лот.* color — ранг, тус] **1** Расм, гравюра ва ш. к. да рангларнинг уйғун, ўзаро мутаносиб бўлиши, уйғунлик касб этиши. *Бир хил портретда рассом бўёқ, колоритга эътибор берса, иккинчи хил портретда у қаҳрамоннинг аҳволини тасвир этиши мумкин.* А. Умаров, Портрет — даврнинг ёрқин ифодаси.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг (ташқи кўриниш, бадиий асар, давр, ҳудуд, халқ ва ш. к.) ўзига хос томонлари, хусусиятлари мажмуи. *Қаҳрамоннинг нутқидаги бу мақоллар миллий колоритни вужудга келтиради, қаҳрамон психологиясининг бирор томонини очишга ёрдам беради.* «ЎТА».

КОЛХОЗ [*р.* «коллективное хозяйство» бирикмасининг қисқартмаси] *эск. тар.* Шўро даврида: деҳқонларнинг асосий ишлаб чиқариш қуролларини умумлаштиришга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини биргалашиб (жамоавий) бошқаришга асосланган ихтиёрий уюшмаси; коллектив хўжалик, жамоа хўжалиги. *Колхоз ерлари. Колхоз фермаси.*

КОЛХОЗЛАШМОҚ Коллектив хўжаликка (колхозга) бирлашмоқ.

КОЛХОЗЧИ Колхоз аъзоси. *Комиссия.. ҳамма звено бошлиқлари, бригадирлар ва бирмунча колхозчилар билан суҳбат қилди,* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КОЛЧЕДАН [*фр.* colcedoine < Кичик Осиёдаги шаҳар (*лот.* Calchedon, *юн.* Chalkedon) номидан] Металлар (темир, мис, кобальт, никель ва б.) олтингугурт (сульфид)ли бирикмаларининг умумий номи. *Мис колчедан.* ▬ *Ғарбий Ўзбекистонда олтин маргимуш колчедан билан ёки кварц томирларида учрар экан.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

КОЛЯСКА [*қад. р.* коло, колесе — ғилдирак] **1** *эск.* Рессорали, қайтарма соябонли тўрт ғилдиракли извош. *Коляскани қўшмоқ. Коляскада сайр қилмоқ.* ▬ *Ўн-ўн бешлаб арғумоқ отлар дейсизми, коляска аравалару қўш хотин дейсизми, ишқилиб, ундаги мулк-амлокнинг ҳисобига чўт билмаган содда деҳқон етолмас экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Чақалоқ, ёш болаларни сайр қилдиришга мўлжалланган кичик аравача. *Жувон коляскадаги қизчаси билан икки қаватли ғиштин бинога кирди.* Газетадан.

3 Махсус тиркама қўшимча аравача; кажава. *Мотоцикль коляскаси.*

КОЛЯСКАЛИ Коляскаси бор, коляска ўрнатилган (бириктирилган). *Коляскали мотоцикль.* ▬ *Майдон атрофидаги кўчалар кичик болалар машинаси, коляскали велосипедлар.. миниб олган эркатойлар ва ота-оналар билан тўлиб кетди.* П. Гадоев, Кичкинтойлар мусобақаси.

КОМ I [*ф.* کام — танглай, оғиз; оғиз бўшлиғи] *эск. кт.* Оғизнинг юқори тиш, танглайдан ҳалқумгача бўлган қисми, оғиз ичи; ич (қаър) (кўпинча аждар, дев каби афсонавий махлуқларнинг оғзи ҳақида). *Ҳамма урушдан қочса, сен бу аждаҳонинг комига ўз ихтиёринг билан бормоқчимисан?!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сиз-чи эй, садоқат сўзидан нолиб, Надомат комида қолганлар, айтинг.* А. Орипов, Руҳим. *Энди амирингиз шарманда бўлиб қочгандан кейин ҳам.. халқнинг қолган-қутган мол-мулкини ҳам талаб, у аждарҳонинг комига солмоқчимисиз?* С. Айний, Қуллар.

Комига тортмоқ Ичига, дамига тортмоқ, ютмоқ. *Аждар чўпонни комига тортди.* «Эртаклар». *Подшоҳлар бир аждарки, узоқдан кўрмоқ яхши, аммо ёнида бўлмоқ хавфли — бир сабаб билан комига тортмоғи осон.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Кучли магнит парчаси темир заррачаларини ўзига тортгандек, ҳаво камералари ҳам қийғоч очилган.. толаларни ўз комига тортарди.* Б. Файзиев, Ойдин кечада.

КОМ II [*ф.* کام — тилак, истак; мақсад; баҳра] *эск. кт.* Мақсад, мурод; шодлик, комронлик. *Бахту давлатдин бутун ўртоқларим ком олдилар, Соате дунёда бўлмам комрон, қандоқ қилай?* Ҳадия биби («Ўзбек шоирлари»). *Сенингсиз менга ком йўқдир, Асал ичсам, заҳар бўлғай.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

КОМА [*юн.* koma – қаттиқ, чуқур уйқу ҳолати] Бутунлай ҳушдан кетиш, қон айланишининг, нафас олиш ва модда алмашинувининг бузилиши, ташқи таъсирларга жавоб бермаслик, умуман, марказий нерв системаси фаолиятининг издан чиқиши билан кечадиган, ҳаёт учун хавф туғдирадиган ҳолат.

КОМАНДА [*фр.* commande < *итал.* comando – бошқарув] **1** *ҳарб.* Командирнинг расмий, қисқача, оғзаки буйруғи. *Улар капитаннинг командаси билан тепадаги самолётга барча қуроллардан бирданига, баббаравар ўқ уздилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Сўнгра полкка.. команда бериб, Элмуродга ташаккур эълон қилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *ҳарб.* Муайян вазифаларни бажариш учун уч ва ундан ортиқ кишидан ташкил этилган кичик ҳарбий қисм, бўлинма. *Разведкачилар командаси. Снайперлар командаси. Ўт ўчирувчилар командаси.*

3 Кемадаги матрос ва командирлар таркиби. *Крейсер командаси. Теплоход командаси.*

4 Муайян спорт тури бўйича бирга ҳаракат қилиш учун тузилган спортчилар жамоаси. *Волейбол командаси. Шахматчилар командаси.* ■ *Абдураимов яхши футболчи эди, яхши тренер бўлди. Анча йиллар ўзи шу командада ўйнади.* Газетадан.

5 *сиёс.* Бирон-бир сиёсий арбоб ёки мансабдор шахс атрофида бўлган ва унинг дастурини амалга оширишга кўмаклашадиган яқин кишилар гуруҳи.

6 Бирон-бир фаолият билан банд бўлган, муайян ишни бажараётган ишчи гуруҳ, жамоа.

7 *махс.* Компьютер техникасида: компьютер бажариши лозим бўлган ҳар қандай иш учун айни компьютер (ҳисоблаш машинаси)га мос машина тилида ёзилган (берилган) буйруқ, йўл-йўриқ.

КОМАНДИР [*лот.* commendare – ишониб топширмоқ, юкламоқ] **1** Ҳарбий қисм, бўлинма, кема ва ш. к. нинг бошлиғи. *Взвод командири. Дивизия командири. Сув ости кемаси командири.* ■ *Блиндажда бизни рота командири Саурбоев қарши олди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *с. т.* Раҳбар, бошлиқ. *Ҳозир у ишлаб чиқариш командири бўлиш ниятида тўқимачилик техникумида ўқимоқда.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *Директор – командир, бош, Муаллим – раҳбар, йўлдош.* Қ. Муҳаммадий.

КОМАНДИРЛИК Командир иши, лавозими. *Абдулатиф командирлик қилаётган взвод ҳар куни ўнлаб ҳужумларни қайтарар.. эди.* Газетадан. -*Биз сизни бўлинма командирлигига тавсия этдик, – деди лейтенант.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КОМАНДИРОВКА [*нем.* Kommandiering, Kommando – жўнатиш; хизмат сафари] Хизмат сафари (*қ.* **хизмат**). *Илмий командировка. Командировка муддати. Командировкага бормоқ.* ■ *Давронов махсус топшириқ билан Хоразмга командировка қилинди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КОМБАЙН [*ингл.* combine – бирлаштирмоқ; бирга қўшиш] Бир неча машинанинг ишини бир йўла, бирданига бажарадиган мураккаб машина. *Ғалла комбайни. Кўмир комбайни.* ■ *Деҳқонлар ғаллани ўроқ билан эмас, комбайн билан ўриб оладиган бўлдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

КОМБАЙНЧИ Комбайн ҳайдовчи, комбайнда ишловчи. *[Зумрад] Пахта оралайди, буғдой ўраётган комбайнчига ҳорма айтади..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

КОМБИКОРМ [*р.* «комбинированный корм» (аралаш озуқа) бирикмасининг қисқарган шакли] Мол ва паррандаларга бериш учун махсус тайёрланадиган аралашма озуқа; аралашма ем. *Жиззахда маҳаллий қишлоқ хўжалик хомашёсини ишлайдиган иккита пахта заводи, ёғ заводи ва комбикорм заводи бор.* Газетадан.

КОМБИНАТ [*лот.* combinatus – қўшилган, бирлаштирилган] **1** Бир-бирига узвий боғланган, бирининг маҳсулоти иккинчисига хомашё бўладиган бир неча турли тармоқдаги муассаса, корхона ва ш. к. ни бирлаштирувчи йирик ташкилот. *Целлюлоза-қоғоз комбинати. Гўшт-сут комбинати. Тўқимачилик комбинати.* ■ *Ўзбекистоннинг катта шаҳарларида йирик уй-жой қурилиш комбинатлари.. қурилди.* Газетадан.

2 *эск.* Баъзи мамлакатларда маҳаллий саноатда майда ишлаб чиқаришларни бирлаштирувчи корхона. *Маиший хизмат кўрсатиш комбинати.*

3 Бирор корхона, муассаса қошида бўладиган турли босқичдаги ўқув юртлари бирлашмаси.

КОМБИНАЦИЯ [*лот.* combinatio – қўшиш, бирлаштириш] **1** Бир турдаги нарсаларнинг ёки бирор нарса турларининг маълум тартибда уйғунлашган ёки ўзаро изчил жойлашган, қўшилган бирикмаси, мажмуи. *Рақамлар комбинацияси. Бўёқлар комбинацияси.* ▬ *Табиатдаги бизга маълум бўлган барча жисмлар шу 92 та кўринишдаги атомлар комбинациясидан иборат.* А. Е. Ферсман, Қизиқарли геохимия.

2 Бир мақсадни кўзлаб қилинган бир неча хил ҳаракатлар, усуллар мажмуи, бирлиги. *Шахмат комбинацияси.* ▬ *Пахтакорчилар ўйин давомида чиройли комбинациялар ишлатишди.* Газетадан.

3 Хотин-қизларнинг ич кўйлаги.

КОМБИНЕЗОН [*фр.* combinaison < *лот.* combinatio – қўшиш, бирлаштириш] Шими билан кўйлаги (ёки костюми) бирга қўшиб тикилган кийим (одатда иш кийими). *Унинг ёнида чўғдай иситилган чўкич ва омбир ушлаган, комбинезон кийган ёш ишчи пайдо бўлди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КОМЕДИЯ [*лот.* comoedia < *юн.* komodia – хушчақчақ оломон, қўшиқ] Воқеалар, ҳаракатлар ва зиддиятлар кулги асосида тасвирланадиган саҳна асари. *Сатирик комедия.* ▬ *Кинога олишяпти шекилли. Антиқа комедия чиқадиганга ўхшайди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

КОМЕНДАНТ [*фр.* commandant < *лот.* commendare – топширмоқ, юкламоқ] **1** Қалъа ёки мустаҳкамланган ҳудудда ушбу жойни қўриқлайдиган барча қўшиннинг бошлиғи. *Шаҳар коменданти. Округ коменданти.* ▬ *Орша шаҳрини озод қилиш операциясида бевосита қатнашдим, кейин шу шаҳарга комендант қилиб тайинландим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Гарнизонда қоровуллар хизматининг тўғри бориши, маҳбусларнинг сақланиши, ҳарбий хизматчиларнинг жамоат жойлари ва кўчадаги интизоми устидан назорат олиб борувчи ҳарбий мансабдор шахс.

3 Темир йўл станцияларида ва сув йўлларида (порт ва пристанларда) қўшинлар, ҳарбийлар ва ҳарбий юкларнинг тўғри ҳаракатланишини кузатиб турувчи ҳарбий хизматчи. *Тўртинчи куни кечқурун вагонларга шам берилмади, станция ҳарбий коменданти «Чироқ ёқилмасин!» деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Айрим муассасаларга қарашли уйларнинг, мас., университет ётоқхонасининг бошқарувчиси. *Бу хотин меҳмонхона билан ётоқхонага комендант ҳамда ишчиларга кийим тарқатувчи экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КОМЕНДАТУРА [*нем.* Kommandantur < *лот.* commendare – ишониб топширмоқ] Ҳарбий гарнизон комендантининг идораси ва бу идора жойлашган бино.

КОМЕТА [*юн.* kometes – узун, пахмоқ сочли] Тумансимон нурланувчи булут ҳамда думга ўхшаш нурли (ёруғ) чизиқ кўринишига эга бўлган осмон жисми; думли юлдуз. *Ҳар замон-ҳар замонда Ер яқинидан ноёб кометалар ўтиб қолади.* «Ёшлик».

КОМИ Россия Федерацияси таркибидаги Коми Республикасининг туб аҳолиси. *Коми тили. Коми йигит.*

КОМИЗМ [*юн.* komikos – кулгили] Бирор нарсанинг: хатти-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, ҳолат ва ш. к. нинг кулгили, комик томони. *Давр ўтиши билан ҳаётий эртакларда фантазиянинг ўрнини комизм эгаллай бошлади.* «ЎТА».

КО́МИК Комик, ҳажвий ролларни ўйновчи актёр; қизиқчи, масхарабоз. *Соиб Хўжаев Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрининг комикларидан эди.*

КОМИ́К Комедияга оид, кулгили. *Томошабинга комик фильмни мукаммал етказишда, кулги чиқазишда бундай усул қўл келади.* F. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Раж Капур трагик, лирик ва комик элементлар мавжуд бўлган фильмларда чуқур фалсафий образлар яратишга муваффақ бўлди.* Газетадан.

КОМИЛ [*а.* كامل – етук, тўлиқ, мукаммал] **1** Камолатга эришган, бекаму кўст, мукаммал. *Муҳаммад Жамол энди сўзни Искандародан бошлади: -Гўзал, келишган ва ақли комил қиз, – деди.* Ойбек, Нур қидириб. *..ахлоқи, одоби, маънавий фазилатлари уни ҳар бир комил инсонга баравар қилиб кўтарган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

Имони (*ёки* **ишончи) комил** Қатъий ишончни билдирувчи ибора. *Бу сирли гумбазга неча марталаб тикилиб қолганига имоним комил, зеро у бошқа ёдгорликлардан ўзгача.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Аммо Ойқизнинг ишончи комил эдики, эрта-индин бу ерлар ҳам чамандек яшнайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Комил (эркаклар исми).

КОМИНТЕРН, Коммунистик Интернационал *тар.* 1919–1943 йилларда: турли мамлакатларнинг коммунистик партияларини бирлаштирган, фаолиятида разведка ишларини ҳам олиб борган халқаро ташкилот.

КОМИССАР [*фр.* commissaire < *лот.* comissarius – вакил қилинган; ваколат берилган] **1** Ҳарбий, ижтимоий-сиёсий ёки маъмурий ваколатларга эга бўлган раҳбар, бошлиқ.

Халқ комиссари *эск. тар.* СССРда 1917–46 йилларда Халқ комиссарлигини бошқарган ҳукумат аъзоси. *Ички ишлар халқ комиссари.* **Ҳарбий комиссар** 1) 1918–42 йилларда совет ҳукуматининг армияда командир билан бир қаторда қўшинларнинг жанговарлик қобилияти ва сиёсий аҳволи учун тенг даражада жавобгар бўлган сиёсий ходими. *Батальон комиссари. Полк комиссари;* 2) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида: маҳаллий ҳарбий бошқарув органи (комиссарлик) раҳбари.

2 Айрим хорижий мамлакатларда маъмурий ёки полициячилик вазифаларини бажарувчи мансабдор шахс.

КОМИССАРИАТ *айн.* **комиссарлик**.

КОМИССАРЛИК Комиссар томонидан бошқарилувчи, давлатга қарашли ва маҳаллий-маъмурий муассасаларнинг номи.

Халқ комиссарлиги *эск. тар.* Халқ хўжалиги ёки саноатнинг бирор тармоғига раҳбарлик қиладиган давлат муассасаси (СССРда 1946 йилдан министрлик деб аталган). *Ташқи ишлар халқ комиссарлиги.* **Ҳарбий комиссарлик** Ҳарбий хизмат ўташи лозим бўлган кишиларни ҳисобга олиш, ҳарбий хизматга чақириш ва ш. к. ишларни бажарадиган маҳаллий ҳарбий бошқарув органи. *Вилоят ҳарбий комиссарлиги.* ▬ *Элмурод уйга келиб, столи устида ҳарбий комиссарликнинг повесткаси (чақирув қоғози)ни кўрди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КОМИССИОН [*лот.* comissio – топшириш; топшириқ] **1** Воситачилик (битиштирувчилик) ролини ўйновчи; молни комиссияга қабул қилувчи.

Комиссион магазин Аҳолининг ортиқча, кераксиз нарсаларини қабул қилиб олиб, сотиб берадиган махсус магазин. **Комиссион савдо** Савдо корхоналари билан айрим, алоҳида фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида тузиладиган комиссия шартномасига асосланган савдо-сотиқ шакли.

2 Комиссияга берилган, комиссион магазин орқали, учинчи шахс (комиссионер) воситачилигида харид қилинадиган ёки сотиладиган. *Комиссион моллар.*

КОМИССИОНЕР [*фр.* commissionnaire < *лот.* commissio – топшириш; топшириқ] Комитент ҳисобидан ва унинг фойдасига, лекин ўз номидан битимлар тузадиган шахс ёки ташкилот – савдо-сотиқ ишидаги воситачи.

КОМИССИЯ [*лот.* commissio – топшириш; топшириқ, юмуш] **1** Бирор аниқ вазифани бажариш ёки алоҳида махсус чора-тадбирлар ўтказиш учун ташкил этилган орган; шундай ишларга ваколати бўлган шахслар гуруҳи. *Тафтиш комиссияси. Саноқ (ҳисоб) комиссияси. Юбилей комиссияси. Қабул комиссияси. Сайлов комиссияси.* ▬ *Пахталаримиз ҳолини кўриб, баҳо бериш учун комиссия чиқарингиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бир томон (комиссионер)нинг бошқа томон (комитент) топшириғига кўра маълум ҳақ эвазига учинчи шахс билан ўз номидан, лекин комитент ҳисобидан унинг манфаати йўлида тузган шартномаси.

3 Шундай битим тузганлик учун тўланадиган ҳақ (тузилган битим суммасининг аввалдан белгиланган фоизи миқдорида).

КОМИТЕНТ [*лот.* committens, committentis – топширувчи, топшириқ берувчи] Комиссионерга ўзининг, яъни комитент ҳисобидан, лекин комиссионер номидан савдо битимини тузиш ҳақида топшириқ берувчи томон (шахс ёки ташкилот).

КОМИТЕТ [*фр.* comite < *лот.* committo – топшираман, юклайман] **1** Махсус, алоҳида чора-тадбирлар ўтказиш ёки бирор соҳа-тармоққа раҳбарлик қилиш учун ташкил этиладиган давлат органи. *Гидрология ва минерал ресурслар давлат комитети* (*яна қ.* **қўмита**).

2 Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларида коллегиал сайлаб қўйиладиган раҳбарий орган. *ХДП Марказий комитети.*

КОММЕНТАРИЙ [*лот.* commentarius – шарҳлар, изоҳлар; тафсир] *қ.* **изоҳ, шарҳ; тафсир.**

КОММЕНТАТОР [*лот.* commentator – баён қилувчи, шарҳловчи] *қ.* **шарҳловчи.**

КОММЕРСАНТ [*фр.* commercant < *лот.* commercans, commercantis – сотиб олувчи] Тижорат, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи шахс; ишбилармон, тадбиркор, тижоратчи.

КОММЕРЦИЯ [*лот.* commercium – савдо-сотиқ; муомала] Савдо-сотиқ ва у билан боғлиқ муомалалар; фойда олишга йўналтирилган фаолият (*яна қ.* **тижорат**).

КОММУНА [*фр.* commune – жамоа < *лот.* communis – умумий, оммавий] **1** Мулк ва меҳнатни умумлаштириш, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқларига эга бўлиш асосида бирлашган кишилар жамоаси.

2 Ҳозирги бир қатор хорижий мамлакатларда қуйи маъмурий-ҳудудий бирлик.

Париж коммунаси 1871 йилда қўзғолон кўтарган француз меҳнаткашларининг ўша йилнинг 18 мартидан 28 майигача ҳукм сурган ҳукумати. **Қишлоқ хўжалик коммунаси** *тар.* Қишлоқ хўжалик кооперативларининг шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида амалда бўлган шакли (кейинчалик колхоз тарзида қайта ташкил этилган).

КОММУНАЛ [*фр.* communal < *лот.* communis – умумий, оммавий, жамоавий] **1** Коммунага, жамоа бўлиб яшашга оид; жамоавий.

2 Шаҳар хўжалигига оид, шаҳар хўжалигига боғлиқ. *Коммунал хизматлар. Коммунал банк. Коммунал қурилиш.*

Коммунал хўжалик Муайян аҳоли масканлари (шаҳар, қишлоқ, шаҳарча каби) аҳолисига хизмат кўрсатувчи корхоналар, хизматлар ва хўжаликлар (иссиқ ва совуқ сув, электр энергияси, газ билан таъминлаш, кир ювиш, кимёвий тозалаш, сартарошхоналар тизимлари фаолияти ва б.) мажмуи.

КОММУНАР [*фр.* communard] **1** Париж коммунаси қатнашчиси.

2 Коммуна аъзоси (*қ.* **коммуна 1**).

КОММУНИЗМ [*лот.* communis – умумий, оммавий] **1** Хусусий мулкчиликни инкор этиш ва моддий бойликларни барчага тенг тақсимлашни талаб қилиб қўйишга асосланган турлича қарашлар, нуқтаи назарларнинг умумий номи. *Ибтидоий коммунизм. Хаёлий (утопик) коммунизм.*

2 *тар.* Марксизмда: капитализм ўрнини эгалловчи ва ўз ривожланиши тарихида икки босқич (фаза)ни – социализм деб аталувчи қуйи ҳамда тўлиқ коммунизм деб аталувчи юқори босқични ўтувчи ижтимоий-иқтисодий формация. *Илмий коммунизм. Коммунизм ғоялари.*

КОММУНИКАТИВ *тлш.* Коммуникацияга, фикр алмашувга оид. *Тилнинг коммуникатив вазифаси.* ▬ *Қўшма гап мураккаб фикрий ва коммуникатив муносабатларни ифодалаш воситаси бўлиб, нутқнинг ҳамма жанрларида қўлланади.* «ЎТА».

КОММУНИКАЦИЯ [*лот.* communicatio < communicare – умумий қилмоқ, боғламоқ] **1** *махс.* Транспорт, алоқа йўллари ва шаҳар хўжалиги ер ости тармоқлари ва ундаги иншоотлар. *Коммуникация линияси. Сув коммуникацияси. Душман коммуникациясини ишдан чиқариш.* ▬ *Баъзи мамлакатларда олдин ер ости коммуникацияларини тахт қилиб, йўлгача, тротуаргача битириб қўйишаркан-да, кейин уйни қуришаркан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Кибернетикада: информация (ахборот)ларни алмашиш жараёни.

3 *тлш.* Фикр алмашув, алоқа. *Ҳақиқатда конкрет нутқ шароити тингловчига сўзловчи айтаётган воқеа-ҳодисани тезроқ, осонроқ тушунишга ёрдам беради, коммуникацияни тезлаштиради.* «ЎТА».

КОММУНИСТ Коммунистик партия аъзоси. *Мен бу ерга очиқ кўз билан келдим. Мен аввало коммунист, ундан кейин агрономман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КОММУНИСТИК 1 Коммунизмга оид; коммунизм принципларига асосланган. *Коммунистик жамият қурилиши.*

2 Коммунизм ғояларига асосланган, унга амал қиладиган. *Коммунистик партия. Коммунистик режим.*

КОММУТАТОР [*лот.* commutare – алмаштирмоқ; ўзгартирмоқ] *эл. тех.* **1** Электр занжирини улаш, узиш ва унинг қисмларини алмашлаб улашни таъминловчи электромеханик ёки электрон қурилма.

2 Телефон станцияларида: икки ёки бир неча абонентларни ўзаро бир-бири билан уловчи қурилма.

КОММУТАЦИЯ [*лот.* commutatio – ўзгартириш, ўзгариш; алмаштириш] Алоқа техникасида: телефон, телеграф ва радио станцияларида сим, кабель, аппарат ва асбобларни электрик улаш ёки узиш тизими. *Бир йўла кенгайтирилган коммутация сис-*

темаси овозда ғоятда яхши тембр ва тиниқликни ҳосил қилади. Газетадан.

КОММЮНИКЕ [*фр.* communique < *лот.* communicare – хабар қилмоқ] Халқаро музокаралар, давлатлар ўртасида тузилган битимлар, мамлакат ички ҳаётидаги муҳим воқеалар, ҳарбий ҳаракатлар ва б. лар ҳақида ҳукуматнинг расмий хабари.

КОМПАКТ-ДИСК [*ингл.* compact-disk] Диаметри унча катта бўлмаган, доимий, ўчмайдиган товуш сигналлари (мусиқа, қўшиқ, матн ва б.) ёзиб олинган оптик диск.

КОМПАНИЯ [*фр.* compagnie < *лот.* compages – бирлаштириш; бирлашма; алоқа] **1** Вақтини бирга ўтказувчи ёки бошқа бирор мақсад билан уюшган шахслар гуруҳи; улфат, улфатчилик.

2 Савдо, саноат ёки транспорт соҳасида иқтисодий фаолият олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар, ишбилармонлар бирлашмаси. *Савдо компанияси. Акциядорлар компанияси.*

КОМПАРАТИВИЗМ [*лот.* comparativus – қиёсий] Тилшунослик ва адабиётшунослик тадқиқотларида қўлланадиган қиёсий-тарихий метод.

КОМПАС [*итал.* compasso – ўлчайман] Уфқ (дунё) томонларини аниқлайдиган, магнитланган стрелкаси доим шимолни кўрсатиб турадиган асбоб; қибланамо. *У [Ноира] рюкзагидан компасни олиб, турган ерини аниқлади.* М. Худойқулов, Оҳанрабо ахтариб.

КОМПЕНСАЦИЯ [*лот.* compensatio – тенглаштириш; ўрнини тўлдириш] **1** Бирон нарса бадалига ҳақ тўлаш, мукофот бериш.

2 *ҳуқ.* Меҳнат қонунчилигида: қонунда белгиланган ҳолларда меҳнат мажбуриятларини бажаришдаги қўшимча харажатлар учун ишчи ва хизматчиларга бериладиган тўлов; товон пули.

КОМПЕТЕНЦИЯ [*лот.* competere – лаёқатли, муносиб бўлмоқ] **1** Муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; ваколат.

2 Шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси.

КОМПИЛЯЦИЯ [*лот.* compilatio – талаш, ўғирлаш] Ўзгаларнинг тадқиқотлари, асарлари асосида уларга ҳеч қандай талқин берилмай, ўзлаштириш йўли билан тузилган иш; мустақил бўлмаган иш, асар. *Булар гарчи қисман олдинги тарих китобларидан компиляция тарзида тузилган бўлса-да, уларда Қўқон хонлигининг 1843 йилдан 1875 йилгача бўлган тарихига оид қимматли маълумотлар бор.* «ЎТА».

КОМПЛЕКС [*лот.* complexus – алоқа, боғланиш; қўшиб, қамраб олиш] Бир бутунни ташкил қилувчи нарсалар, ҳодисалар, белги-хусусиятлар мажмуи, йиғиндиси. *Архитектура комплекси. Гимнастика машқлари комплекси. Агротехник ишлар комплекси. Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш. Хўжаликнинг комплекс равишда ривожланиши.*

КОМПЛЕКТ [*лот.* completus – тўлиқ] Бирор нарсанинг бир бутунликни ташкил этувчи тўла мажмуи. *Дарсликлар комплекти. Машина запас қисмлари комплекти.* ▬ *Айни пайтда корхонада «Тоҳир ва Зуҳра» номли янги атир-упа комплекти ҳам тайёрланмоқда.* Газетадан.

КОМПОЗИТОР [*лот.* compositor – тузувчи; яратувчи, ижод қилувчи] *қ.* **бастакор.** *Композитор Мутал Бурхонов Ҳамзанинг музика меросидан ижодий фойдаланиб, фильмнинг тасвирий материалига мувофиқ куй басталаган.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

КОМПОЗИЦИОН Композициясига кўра, тузилиши жиҳатдан. *Негаки, асардаги бу камчиликлар композицион жиҳатдан тарқоқликни келтириб чиқарган.* С. Кароматов, Олтин қум.

КОМПОЗИЦИЯ [*лот.* compositio – тузиш; ижод қилиш] **1** Адабий асар, санъат асари қисмларининг тузилиши, жойлашиши ва ўзаро муносабати, уларнинг қўшилиб кетиши, қўшилган яхлитлиги. *Романнинг композицияси. Операнинг композицияси.* ▬ *Унинг [Охунованинг] очерклари сюжет ва композиция жиҳатидан аниқ мақсадга қаратилган.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Ҳар ҳолда улар ҳам композицияси, ҳам оҳангдорлиги.. билан фольклор асарларига яқин туради.* «ЎТА».

2 Таркибий қисмлари мазмунан ўзаро боғланиб, бирлик ташкил этган бадиий асар, мусиқа ёки рассомлик асари. *Ҳайкалтарошлик, меъморчилик композициялари бамисоли жангноманинг қаҳрамонларидек қад кўтаради.* Газетадан.

3 *мус.* Мусиқа асари яратиш назарияси. *Композиция классининг талабаси.*

КОМПОНЕНТ [*лот.* componens, componentis – ташкил этувчи; таркибий қисм] Бирор нарсанинг таркибий қисми. *Қўшма сўзнинг биринчи компоненти.* ▬ *Организм тўқималарининг ҳамма компонентлари динамик ҳолатда бўлади.* «Фан ва турмуш».

КОМПОСТ [*ингл.* compost < *лот.* compositus – яхши кўринишли; таркибли] *қ. х.* Ўт, пўчоқ, ахлат каби чиқиндилар билан тупроқ ёки торф аралашмасини чиритиб тайёрланган органик ўғит. *Компост билан ўғитлаш. Компост ўраси.* ▬ *Бир тонна компост роса етилса, ўн тонна гўнгнинг кучини беради.* Газетадан.

КОМПОСТЕР [*фр.* composteur] Темир йўл билети, банк чеки ва ш. к. ҳужжатларга назорат мақсадида шартли тешик-тешик ёзувни ўйиб босадиган асбоб.

Компостер қилмоқ *айн.* **компостерламоқ.**

КОМПОСТЕРЛАМОҚ Компостер билан бирор белги босмоқ (қайд қилинганлиги ёки ҳисобга, рўйхатга олинганлиги ҳақида). *Поезд билетини компостерламоқ.*

КОМПОСТЛАМОҚ Компост тайёрламоқ. *Компостлашда мол шиптири – суюқ гўнгдан қўшиб фойдаланиш яхши самаралар беради.* Газетадан.

КОМПОТ [*фр.* compote] Қуруқ ёки ҳўл мевадан қайнатиб тайёрланган ширин ичимлик. *Олча компоти.* ▬ *Бу йил мевалар ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди. Ҳозир компот консервалари тайёрлашнинг айни вақти.* Газетадан. *Муздек компот билан кисель бор экан. Иккаловидан бир стакандан олди, кетма-кет симирди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

КОМПРЕСС [*фр.* compresse < *лот.* compressus – сиқиш; ўраб, қамраб олиш] Оғриган, шикастланган жойга бирор дорили сувга ботириб ёки қуруқ ҳолда боғланадиган (ўраладиган) латта, пахта ва ш. к. *Терлаган даврида касалга қўйилган компресс ва бошқа нарсаларни олиб ташлаб, эшик, деразаларни ёпиб қўйиш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КОМПРЕССОР [*лот.* compressus – сиқиш; ўраб, қамраб олиш] Дам берадиган, юқори босим остида ҳаво, газ, буғ кабиларни сиқиб берадиган машина. *Ғуриллаб компрессор ишга тушди, ертешар бурғилар шарақлаб, қулоқни батанг қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КОМПРОМИСС [*лот.* compromissum – ўзаро ваъдалашув, келишув, битим] Бошқа томонга (масалан, рақибга) унинг баъзи талабларида ён бериш; у билан келишиш натижасида ўз талабларининг бир қисмидан кечиш; шу асосдаги битим. *Бироқ биз ҳозир демократик инқилоб жараёнидамизки, бирордарлар, бу жараённинг ўзи биздан.. ҳатто рақиблар билан ҳам компромисслар қилишимизни тақозо этади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

КОМПЬЮТЕР [*ингл.* computer < *лот.* computare – ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ] Мураккаб қурилмага эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси. *Тиғиз ва ғоят масъулиятли участкаларда компьютер ва автоматлар кенг жорий этиляпти.* Газетадан.

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРМОҚ Инсон фаолиятининг турли соҳаларига компьютерларни жорий қилмоқ, уларни компьютер билан ишлашга ўтказмоқ.

КОМРОН [*ф.* كامران – бахтли; ҳаётдан завқланувчи] *эск. кт.* Ўз мақсадига эришган; бахтли. *Бахту давлатдан бугун ўртоқларим ком олдилар, Соате дунёда бўлмам комрон, қандоқ қилай.* Ҳадия биби [«Ўзбек шоирлари»]. *Комрон кунлар олдинда ҳамон, Алвон умид қонимда.* У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

КОМСОМОЛ [*р.* «Коммунистический союз молодёжи» бирикмасининг қисқартмаси] *эск. тар.* Шўро даврида: **1** (Бутуниттифоқ Ленинчи) Коммунистик Ёшлар Уюшмаси. *Комсомол аъзоси. Комсомол билети. Комсомол топшириғи.*

2 *с. т.* Шу уюшманинг аъзоси.

КОН [*ф.* کان – маъдан қазиб олинадиган ер] **1** Фойдали қазилмаларни олиш учун қурилган ер ости иншоотлари, шунингдек, бундай қазилмаларни олишни амалга оширувчи тоғ саноати корхонаси. *Кўмир кони. Конда ишламоқ.* ▬ *Конлар инженерни, тоғлар Фарҳодни, Устасин чақирар тонгги гудоклар.* Ғ. Ғулом. *Ғозғон мармар кони сўнгги йилларда кенг ривож топди.* Газетадан.

2 Фойдали қазилмалар тўпланган жой ва шу қазилмалар тўплами. *Ўлкамиз табиий бойликларини ўрганиш, янгидан-янги конларни аниқлаш ишида нуфузли олимларимиз салмоқли улуш қўшмоқдалар.* Газетадан. *Ерy кўкни қопласин мевазор боғ, ўрмонлар, Ер остида ётмасдан, юзага чиқсин конлар.* Қ. Муҳаммадий.

3 *кўчма* Бирор нарсага жуда мўл, сероб жой. *Оқ олтин конига айлатирилган қўриқ ва бўз ерлар.* ▬ *Мен онаман, менинг юрагим Фарзандларим қувончига кон.* Зулфия.

КОНВЕЙЕР [*ингл.* conveyer – ташувчи] Юк ташиш, машинани бутлаб йиғиш ёки ишланаётган нарсаларни бир иш жойидан иккинчи иш жойига кетма-кет узлуксиз етказиб бериш учун тўхтовсиз ёки даврий равишда айланиб ишлаб турадиган лентасимон махсус транспорт қурилмаси; транспортёр. *Конвейер усулида ишламоқ.* ▬ *Катта дарвоза ёнига қурилган гаражда, эндигина конвейердан чиққандек, янги ҳаворанг «Победа» ялтираб турибди.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Тикувчилик ишлаб чиқариши машинасозлик корхоналарининг конвейерига ўхшаб кетади.* Газетадан.

КОНВЕКЦИЯ [*лот.* convectio – олиб келиш] *физ.* Иссиқликнинг суюқлик, ҳаво ёки газ билан узатилиши.

КОНВЕНЦИЯ [*лот.* conventio – шартнома, битим] Бирон бир махсус масалага оид халқаро шартнома, битим.

КОНВЕРСИЯ [*лот.* conversio – айлантириш; ўзгартириш] **1** Алмаштириш, ўзгартириш, қайта ҳисоб-китоб қилиш; олдинги йилларда чиқарилган давлат заёмларини янгиси билан алмаштириш.

Валюта конверсияси *қ.* **конвертация.**

2 *тлш.* Бирор тизимга оид тил бирлигини бошқа тизимга (соҳага) оид бирликка айлантириш билан янги бирлик ҳосил қилиш.

КОНВЕРТ [*фр.* convert] Ичига хат, ҳужжат ва ш. к. солиб, бирор жойга юбориш учун ишлатиладиган, тўртбурчак шаклида ясалган қоғоз пакет; хатжилд. *У госпиталга келиб, шу куни кечгача ўтириб, хат ёзди. Хатни Латофатхоннинг конвертига ўхшаган кўк конвертга солиб, адрес ёзди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт. *Замира «А» токчаси хатга тўлиб турганини кўрди-ю, бориб қўл солди. Унинг номига ғалати бир конверт чиқди: на адреси бор, на маркаси ва на почта муҳри.* П. Қодиров, Уч юлдуз.

КОНВЕРТАЦИЯ [*лот.* convertatio – ўзгартириш, айлантириш] Миллий валютанинг амалдаги курс бўйича бошқа хорижий валюталарга эркин ва чекланмаган миқдорда алмаштирилиши. *Сўмнинг конвертация қилиниши.* ▬ *Конвертациянинг жорий этилиши хорижий валютанинг маъмурий усул билан тақсимланишини камайтиради.* «Мулоқот».

КОНВЕРТЕР, **конвертор** [*лот.* convertere – ўзгартирмоқ, айлантирмоқ] Эриган чўян орқали ҳаво ёки техник кислород ўтказиб, пўлат олиш учун қўлланадиган махсус аппарат. *Яқинда.. синтетик каучук ишлаб чиқариш заводида йирик комплекс – конвертер ишга туширилди.* «Фан ва турмуш».

КОНВОИР [*фр.* conroyeur – кузатиб борувчи] **1** Бирор кимса ёки нарсани муҳофаза мақсадида қўриқлаб, кузатиб борувчи қуролли соқчи.

2 Алоҳида кемани ёки бир неча кемани қўриқлаб, кузатиб борувчи кема ёки самолёт.

КОНВОЙ [*голл.* konvooi] **1** Қўриқлаб, кузатиб борувчи қуролли соқчилар отряди. *Жиноятчилар конвой остида қишлоқ шўросига ҳайдалдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 Транспорт ёки савдо кемаларини қўриқлаб, кузатиб борувчи кемалар ёки самолётлар гуруҳи.

КОНГЛОМЕРАТ [*лот.* conglomeratus – тўдаланган, йиғилган, тўпланган] **1** *геол.* Турли тош ва тош парчаларининг лой, оҳак ва ш. к. воситаси билан бир-бирига маҳкам ёпишувидан ҳосил бўлган тоғ жинси. *Қадимги дельта ётқизиқлари конгломератлар ва қум қатламларидан иборат.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

2 Турли-туман жинс, предмет ва қисмларнинг тасодифий механик қўшилмасидан иборат нарса; қурама. *Дунёда ташқаридан сўз қабул қилмайдиган, фақат ўз ички ресурслари ҳисобига ривожланадиган «соф» тил бўлмагани сингари, нуқул бўлак тилларнинг луғатларидан ташкил топган қурама, антиқа «конгломерат тил» ҳам йўқ.* F. Саломов, Таржима назариясига кириш.

КОНГРЕСС [*лот.* congressus – учрашиш, кўришиш; тўқнашув] **1** Муҳим сиёсий, илмий ва б. масалалар юзасидан ўтказиладиган халқаро конференция, кенгаш. *Тинчлик тарафдорларининг жаҳон конгресси. Физиологларнинг халқаро конгресси.* ▬ *Самимий дўстлик, мақсад бирлиги конгресс аъзоларини жуда ҳам яқинлаштириб қўйди.* В. Содиқова, Бирлашиб, тинчликка эришамиз.

2 АҚШ ва б. баъзи хорижий мамлакатларда қонун чиқарувчи орган.

КОНДЕНСАТ [*лот.* condensatum – қуюлтирилган нарса] Газ ёки буғ ҳолидаги жисмларнинг конденсацияланиши натижасида юзага келувчи суюқлик. *Йил охиригача битта янги газ-конденсат кони разведка қилинади ва очилади.* Газетадан.

КОНДЕНСАТОР [*лот.* condensare – зичламоқ, қуюлтирмоқ] **1** Электр токи тўплайдиган асбоб; икки ёки ундан ортиқ ўтказгичли система. *Бир-биридан изоляция қилиниб, бир-бирига яқин жойлаштирилган иккита ўтказгич конденсатор ҳосил қилади.* «Физика» дарслиги.

2 Буғни, газсимон моддани совитиб, сувга айлантирувчи қурилма. *Ҳалигача ҳавони салқинлаштирадиган конденсаторлар уй қурилишида кўп қўлланилмаётир.* У. Назаров, Биринчи учрашув.

КОНДЕНСАЦИЯ [*лот.* condensatio – зичланиш, қуюқланиш] *махс.* **1** Тўплаш, тўпланиш (мас., электр энергияси).

2 Буғ ёки газсимон модданинг совиш ёки сиқилиш натижасида суюқ ҳолга айланиши.

КОНДИТЕР I [*лот.* conditor < *а.* قند – ширинлик, обакидандон] Кондитер маҳсулотлари тайёрловчи пазанда, шакарпаз; қандолатчи. *Кондитерлар тайёрлаш курси.* ▬ *Ошпазларга, кондитерларга тўланадиган тариф ставкаларининг миқдори озиқ-овқат саноатида ҳозир амалда бўлган ставкалар даражасига етказилади, деса бўлади.* Газетадан.

КОНДИТЕР II Кондитер маҳсулотлари (пирожний, торт ва ш. к. ширинликлар) тайёрлаш ёки улар билан савдо қилишга оид. *Кондитер моллари. Кондитер цехи.* ▬ *Кўзни қамаштирувчи қоғозларга ўралган кондитер маҳсулотлари бамисоли дарё бўлиб оқяпти.* Газетадан.

КОНДИЦИЯ [*лот.* conditio – шарт-шароит, ҳолат] У ёки бу нарса (товар) мос келиши лозим бўлган меъёр, стандарт, сифат. *Уруғларни тозалаш, кондицияга келтириш ва уруғлик участкаларига доим эътибор бериш керак.* Газетадан.

КОНДИЦИОНЕР Хоналарда ва транспорт воситаларида ҳаво шароитини кишилар кайфияти учун қулай ҳолатда сақлаб турувчи (совитувчи ёки иситувчи) агрегат, механизм. *Бу электр энергиясидан жазирама ёз кунларида кондиционерларда хоналарни совитиш учун фойдаланиш мумкин.* «Фан ва турмуш». *Деразаларда бир эмас, иккита кондиционер.* «Шарқ юлдузи».

КОНДУКТОР [*лот.* conductor – кузатиб борувчи] **1** Поездни кузатиб борувчи, ундаги йўловчилар хавфсизлиги ҳамда юкларнинг сақланиши устидан назорат қилиб борувчи темир йўл ходими. *Кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида Ўзбекистон темир йўлларида «дуварак» бекатчалар шунча кўпайганки, улардан кўпининг отини йўловчилар эмас, балки кондукторлар ҳам билмайди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Трамвай, троллейбус, автобусларда пассажирларга билет сотувчи, уларнинг чиқиш-тушишини кузатиб борувчи ходим. *Мелиқўзининг хотини – автобусда кондуктор, баъзан ярим кечада келади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

3 Темир-бетон устунларни тик ўрнатишда қўлланадиган ёғоч ёки темир қолип.

КО́НИ Турган битгани, бутунлай; жуда, ғоят. *Қовун хушбўй ҳиди, тотимли мазаси.. ҳар хил дори-дармонларга бойлиги.. билан инсон сиҳат-саломатлигига кони фойда эканлиги жуда қадимдан маълум.* Газетадан. *Очил бува сафарни тугатганидан, эзгу бир фарзни бажо келтириб, кони савобга ботган одамдек, мамнун кўринар, сокин ва собир эди.* А. Мухтор, Чинор. *Тортинчоқлик саҳна учун кони зиён, синглим, қани эшитайлик бўлмаса.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Мураккаб бу механизмнинг бекор туриши кони зарардир.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

КОНКА *эск.* Отлар тортиб юритадиган трамвай. *Конка ўрнига электр трамвай йўли қурилгач, Темир фаранг йўл тозаловчи бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КОНКРЕТ [*лот.* concretus – қуюқ, қуюлтирилган; зичланган] Реал мавжуд бўлган, аниқ, равшан, белгили. *Конкрет кўрсатмалар. Конкрет топшириқ. Конкрет таклиф.* ▬ *Мен бунга конкрет мисоллар келтириб, ўз ишларимизни намойиш қилишим мумкин.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Умуман олганимизда.. айтганингиз тўғри, Зокир ака. Лекин конкрет олганимизда, мен Маҳкам акага қўшиламан.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КОНКРЕТЛАШМОҚ Аниқ, белгили бўлмоқ. *Ўшандагина образ конкретлашади, кишини ишонтирадиган, таъсирли бўлади.* «Адабиёт назарияси».

КОНКУРЕНЦИЯ [*лот.* concurrentia < concurrere – тўқнашмоқ, дуч келмоқ] *қ.* **рақобат.**

КОНКУРС [*лот.* concursus – тўқнашиш, дуч келиш] *қ.* **танлов.**

КОНСАЛТИНГ [*ингл.* consulting – маслаҳат бериш, маслаҳатлашиш] Махсус компанияларнинг бизнесменлар – ишлаб чиқарувчилар, сотувчи ва харидорларга ташкилий, техникавий, молиявий, иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатлар, тавсиялар беришдан иборат фаолияти.

КОНСЕНСУС [*лот.* consensus – розилик, ҳамжиҳатлик] Халқаро музокаралар, сиёсий ва б. кенгашлар иштирокчилари нуқтаи назарларининг яқинлашуви ва мунозаралар натижасида низоли, баҳсли масала бўйича эришилган умумий битим.

КОНСЕРВА [*фр.* conserves < *лот.* conservare – сақламоқ] Махсус усулда бузилмайдиган қилиб ишлаб, узоқ вақт сақлаш учун герметик ёпиладиган (ҳаво ўтказмайдиган) банкаларга солиб қўйилган озиқ-овқат маҳсулоти. *Балиқ консерваси. Гўшт консерваси. Консерва банкаси. Консерва заводи.* ▬ *Жангчиларга қаттиқ нон ва консерва улашдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Пичоқчанинг учини консерва банкасига қадаб, безакдор сопи устидан кафти билан ура бошлади.* Н. Аминов, Суварак.

КОНСЕРВАЛАМОҚ Озиқ-овқат маҳсулотларини бузилишдан асраш ва узоқ муддат сақлаш мақсадида махсус ишлов бериш билан ҳаво ўтказмайдиган идишларга солмоқ. *Гўштни консерваламоқ. Балиқни консерваламоқ. Бақлажонни консерваламоқ.* ▬ *Ошкўклар ва уларнинг илдизлари.. салатларда, бундан ташқари, сабзавотларни тузлаш, мариновка қилиш ва консервалашда жуда ҳам бебаҳодир.* Газетадан.

КОНСЕРВАТИВ [*лот.* conservativus – сақловчи, ҳимоя қилувчи] Тараққиётга қарши (душман), эскиликни ҳимоя қилувчи. *Консерватив партиялар.* ▬ *Илғорлар тажрибасини оммалаштиришдаги сусткашлигимиз консерватив қарашларнинг томир олишига сабаб бўлаётган омиллар, десак янглишмаган бўламиз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

КОНСЕРВАТИЗМ [*фр.* conservatisme < *лот.* conservare – ҳимоя қилмоқ] Тараққиётга, янгилик, илғор ғояларга душманлик; эскиликни сақлаб қолишга, тиклашга интилиш; консерваторлик, мутаассиблик. *Оқибатда жамиятимизга нисбатан догматик қарашлар зарбага учрамоқда, консерватизм барҳам топмоқда.* «Муштум».

КОНСЕРВАТОР [*лот.* conservator – сақловчи, ҳимоя қилувчи] **1** Консерватизм тарафдори, эски, қолиб кетган тартибларни сақлашга интилувчи шахс; мутаассиб. *Пахтани машинада теришдан кўра қўлда теришни маъқул кўрадиган консерваторлар яқинларда ҳам топилиб турарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Консерватив сиёсий партияга аъзо бўлган шахс.

КОНСЕРВАТОРИЯ [*итал.* conservatorio] Олий мусиқа ўқув юрти. *Консерваторияда ўқиб юрган кезларида Левиев каттакичик асарлар ёза бошлади.* С. Кароматов, Лирика бастакори. *Темиржон консерватория олдида қизнинг ўқишдан чиқишини кутиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

КОНСЕРВАТОРЛИК Консерваторга хос иш, хатти-ҳаракат. *Прокурорингиз.. мени консерваторликда айблашга тушди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

КОНСЕРВАЦИЯ [*лот.* conservatio – сақлаш, сақланиш]**: консервация қилмоқ 1** Бузилмайдиган, айнимайдиган қилмоқ. *Клиникаларда ионитлар ёрдамида консервация қилинган қон сақланади.* Д. Муқимова, «Сеҳрли» доначалар.

2 Бирон-бир жараён, фаолият (мас., қурилиш)ни вақтинча тўхтатиб турмоқ.

КОНСЕРВАЧИ Консерва тайёрловчи, консерва саноатининг ишчи-ходими. *..консервачилар ҳар куни режага қўшимча минглаб шартли банка ҳар хил консерва тайёрламоқдалар.* Газетадан.

КОНСИГНАТОР Сотиладиган товарлар қўлида бўлган, лекин унинг эгаси бўлмаган воситачи комиссионер.

КОНСИГНАЦИЯ [*лот.* consignatio – ёзма далил; ёзма тасдиқлаш] Товарларни воситачи омборлар орқали сотиш шартлари.

КОНСИЛИУМ [*лот.* consilium – маслаҳат; кенгаш, муҳокама] Айрим ҳолларда касаллик хусусиятини, беморнинг аҳволини аниқлаш ҳамда даволаш йўлларини белгилаш учун чақириладиган врачлар кенгаши. *Консилиум ўтказмоқ.* ▬ *Уч кишидан иборат юқори малакали врачлар бригадаси касални бир-бир кўздан кечириб чиққач, консилиум бошлаб юборишди.* «Ёшлик».

КОНСОЛИДАЦИЯ [*лот.* consolidare – мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ] **1** *кт.* Мустаҳкамлаш, бирлаштириш, жипслаштириш; бирлашиш, жипслашиш, мустаҳкамлашиш.

2 *мл.* Давлатнинг қисқа муддатли қарзларини узоқ муддатли қарзга айлантириш.

КОНСОНАНС [*фр.* consonance < *лот.* consonare – ҳамоҳанг эшитилмоқ, уйғунлашмоқ] *мус.* Бир неча товушларнинг гармоник уйғунлиги; оҳангдошлик; *зид.* **диссонанс.** *Форобий билан Ибн Сино иккови консонанслар ва диссонанслар тўғрисидаги таълимотни қайта кўриб чиқишган.* «Фан ва турмуш».

КОНСОНАНТИЗМ [*лот.* consonans, consonantus – ундош товуш] *тлш.* Бирор тилнинг ундош товушлар тизими; уларнинг белги ва муносабатлари. *Қарши шевасининг консонантизми ундош товушларнинг сони жиҳатдан ўзбек адабий тили консонантизмига асосан мос келади.* «ЎТА».

КОНСОРЦИУМ [*лот.* consortium – шериклик, бирга иштирок этиш] Бир неча банклар ёки саноат корхоналарининг қарзларни биргаликда жойлаштириш, йирик молиявий ёки тижорий ишларни, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун тузилган вақтинчалик битими.

КОНСПЕКТ [*лот.* conspectus – кўринарли; нуқтаи назар; қараш] Китоб, мақола, маъруза ва ш. к. нинг қисқа ёзиб олинган мазмуни, баёни. *Конспект тузмоқ.* ▬ *Қудрат уни [Тешавойни] янги келтирган ўқув қуроллари ва ўзича тузган дарс бериш методикаси режалари билан мукаммал таништирди. Ҳатто қисқача конспект олиш йўлларини ҳам тушунтирди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл. *Оёғи остида эзғиланиб ётган конспект дафтарини олиб, қўлтиғига қистирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КОНСПЕКТИВ Конспект тарзидаги, асосий мазмунни қисқача баён этадиган. *Конспектив обзор.*

КОНСПИРАТИВ Конспирация билан боғлиқ бўлган; яширин, махфий. *Конспиратив ташкилот. Конспиратив учрашув.*

КОНСПИРАТОР [*лот.* conspirator – фитначи, тил бириктирувчи] Конспирация, фитна, суиқасд уюштирувчи, конспирация иштирокчиси.

КОНСПИРАЦИЯ [*лот.* conspiratio – тил бириктириш, фитна] Нолегал, яширин ташкилотларнинг ўз ишини (фаолиятини) сир тутиш ва аъзоларини яшириш учун қўллаган усуллари, чора-тадбирлари. *Конспирация чоралари.*

КОНСТАНТА [*лот.* constans, constantis – барқарор, ўзгармас, доимий] Доимий катталик (миқдор, қиймат).

КОНСТИТУЦИОН *қ.* **конституциявий.**

КОНСТИТУЦИЯ [*лот.* constitutio – белгилаш, қарор қилиш, тайинлаш, қонунлаштириш] Давлатнинг юксак юридик кучга эга бўлган асосий қонуни; барча жорий қонунларнинг асоси.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ Конституцияга оид, конституцияга асосланган. *Конституциявий тузум.*

КОНСТРУКТИВ 1 Конструкцияга, тузилишга оид. *Иморатнинг конструктив камчиликлари.*

2 Асос қилиб олса, амал қилса бўладиган; амалий. *Конструктив таклиф.*

КОНСТРУКТОР 1 Машина, механизм, иншоот ва уларнинг айрим қисмлари конструкциясини, лойиҳасини тузувчи мутахассис, инженер. *Самолёт конструктори.* ▬ *Пахтакор – пахта, боғбон мева етиштиради, конструктор машиналар ихтиро қилади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Болаларнинг турли машина ва иншоотлар ясаши учун мўлжалланган деталлар тўплами.

КОНСТРУКЦИЯ [*лот.* constructio – тўплаш, йиғиш; тузилиш, қурилиш] **1** *махс.* Иншоот, механизм, асар ва ш. к. нинг тузилиши, қисмларининг ўзаро жойлашуви; мураккаб тузилишли иншоот, механизм ва ш. к. нинг ўзи. *Эски конструкция. Янги конструкциядаги самолёт. Кўприкнинг конструкцияси. Темир-бетон конструкция. Мураккаб конструкция.* ▬ *Бундай шароитда вертолётлардан фойдаланиш юкларни ташиш ва қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш вақтини бир неча баравар камайтиради ҳамда вақтинча йўллар қуриш ташвишидан халос қилади.* «Фан ва турмуш».

2 *тлш.* Грамматик жиҳатдан ўзаро боғланиб, бир синтактик бирикмани ташкил этадиган икки ва ундан ортиқ сўз; умуман, сўзлар бирикмаси. *Синтактик конструкция. Кўчирма гапли конструкция.*

КОНСУЛ [*лот.* consul – маслаҳатчи] **1** *тар.* Қадимги Римда ҳамда 19-аср бошида Францияда: олий ҳукумат амалдорларининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахслар.

2 Бирор давлатнинг бошқа давлат шаҳарларидан бирида доимий вакил этиб тайинланган ва ўз давлати ва унинг фуқаролари манфаатларини ҳимоя қиладиган лавозимли шахс.

КОНСУЛЛИК 1 *тар.* Қадимги Римда консул ҳукм сурган (идора этган) давр.

2 Консулга оид; консулнинг лавозими, иши, вазифаси. *Консуллик вазифаси. Консуллик қилмоқ.* ▬ *..Авлоний бир қанча вақт Афғонистонда консуллик вазифасини бажариб турди.* Газетадан.

3 Бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудидаги, консул томонидан бошқариладиган ваколатхонаси. *Майли, давлат чегаралари бўла берсин, майли, элчихоналар, консулликлар бўла берсин.* Газетадан.

КОНСУЛХОНА *айн.* **консуллик 3**.

КОНСУЛЬТАНТ [*лот.* consultans, consultantis – маслаҳат берувчи] Ўз ихтисоси бўйича кенгаш, маслаҳат, консультация берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи мутахассис. *Ўгирилаётган фильмларда илмий, техникавий, ҳарбий ва бошқа махсус терминология учраса, консультантларга мурожаат қилинади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

КОНСУЛЬТАТИВ Кенгаш, маслаҳат берадиган, маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлган.

КОНСУЛЬТАЦИЯ [*лот.* consultatio – маслаҳат] **1** Мутахассиснинг ёки билимдон, омил кишининг бирор масала бўйича маслаҳати. *Консультация бюроси.*

2 Ўқитувчиларнинг фанни ўзлаштириш учун ўқувчиларга берадиган ёрдами; шундай ёрдам бериш машғулоти. *Институтда ҳар бир имтиҳон олдидан консультациялар ўтказилади.* ▬ *Нигора имтиҳон олдидан консультацияга келганда, Сулаймонов деган кимё ўқитувчиси имтиҳонлардан ўтишига ёрдам бермоқчи бўлган.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 Мутахассислар маслаҳати орқали аҳолига ёрдам кўрсатувчи муассаса. *Юридик консультация. Болалар консультацияси.* ▬ *Уни [Сидиқжонни] узил-кесил тинчитиш учун Зиёдахон юридик консультацияга бориб, энг яхши юристга учрашишни маслаҳат берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КОНТАКТ [*лот.* contactus – бир-бирига тегиш; туташиш] **1** *тех.* Электр занжирида икки ўтказгичнинг бир-бирига тегиши, бирикиши, шунингдек, шу бириккан жой; умуман, икки жисмнинг бир-бирига тегиши ва тегиб турган, туташган жойи. *Автомобиль ўнқир-чўнқир йўллардан кетаётганда, контакт механизми мунтазам равишда ерга тегиб боради.* «Фан ва турмуш».

2 Бевосита алоқа, боғланиш. *Улар илгари бир-бирларини сўзсиз тушунар эдилар, юракларида борини бир-бирига етказиб турадиган яширин контакт бор эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Мен электростанция билан трактор бригадаси ўртасида контакт ўрнатгани келдим.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

КОНТЕЙНЕР [*ингл.* container < contain – бирга қўшмоқ; жойлаштирмоқ] Ичига юк жойланадиган махсус ёғоч ёки темир яшик. *Темир йўл контейнери. Контейнерда юк жўнатмоқ. Контейнерга юк жойламоқ.* ▬ *Кўтариш крани қоришма ва ғишт тўла контейнерларнинг тўрттасини бир йўла кўтариб, иккинчи қаватда ишлаётганларга узатди.* А. Муҳиддин, Янги шаҳар.

КОНТЕКСТ [*лот.* contextus – қўшилиш, уланиш, боғланиш] *қ.* **матн.** *Фақат контекстгина ҳар бир сўзнинг конкрет маъносига ойдинлик киритади.* «ЎТА».

КОНТИНГЕНТ [*лот.* contingens, contingentis – алоқадор, ёнма-ён] **1** Муайян мунособатлар бўйича бир хил гуруҳ, тоифани ташкил этувчи кишилар гуруҳи. *Ҳозир мактаб ўқувчилари контингентининг қарийб ярмини қизлар ташкил этади.* Газетадан.

2 Бирор нарсанинг муайян мақсадлар учун белгиланган чегаравий миқдори.

КОНТИНГЕНТЛАШТИРИШ Экспорт ва импорт воситаларини белгилаш ёрдамида давлат томонидан ташқи савдони тартибга солиш шаклларидан бири.

КОНТИНЕНТ [*лот.* continens, continentis – қаттиқ ер, материк] Ер юзини ташкил қилган қуруқликнинг денгизлар ва океанлар билан ўралган катта бўлакларидан ҳар бири; қитъа. *Евросиё (Европа ва Осиё) континенти. Австралия континенти.*

КОНТИНЕНТАЛ Континентга, қитъага оид; континентда жойлашган, бўладиган. *Континентал мамлакатлар. Континентал Европа.*

Континентал иқлим Муайян континент доирасида шаклланган, қишки температураси билан ёзги температураси бир-биридан катта фарқ қиладиган ва ёғин унча кўп бўлмайдиган иқлим тури. *Кескин континентал иқлимга эга бўлган Нурота тоғ тизмасида ёз ўзининг иссиқ ва қуруқлиги билан ажралиб туради.* «Фан ва турмуш».

КОНТОРА [*нем.* Kontor] *қ.* **идора**.

КОНТРАБАНДА [*итал.* cotrabando < contra – қарши + bando – ҳукумат фармойиши] **1** Тақиқланган мол-товар, валюта бойликлари ва б. нарсаларни давлат чегарасидан ноқонуний равишда, яширинча, бож тўламай олиб ўтиш. *Олмоснинг контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетилиши Сьерра-Леоне иқтисодиётига катта зарар етказмоқда.* Газетадан.

2 Шундай йўл билан ўтказилган мол-товар ва бошқа қимматбаҳо нарсаларнинг ўзи.

КОНТРАБАНДИСТ Контрабанда билан шуғулланувчи шахс.

КОНТРАБАС [*итал.* contrabasso] Тикка туриб, камонча билан чалинадиган, энг катта, лекин энг паст овозли, торли-камонли скрипкасимон мусиқа асбоби.

КОНТРАГЕНТ [*лот.* contrahens, contrahentis – шартлашувчи] Шартнома билан ўз зиммасига бирор мажбурият олган шахс ёки ташкилот; шартнома тузувчи томонларнинг ҳар бири.

КОНТР-АДМИРАЛ [*фр.* contre-amiral] Ҳарбий-денгиз флотида энг қуйи (биринчи) адмираллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

КОНТРАКТ [*лот.* contractus – бай, битим, келишув] Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган ҳолда тузилган икки ёки кўп томонлама шартнома, битим.

КОНТРАКТАЦИЯ Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишлаш, сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида контрактлар, шартномалар тузиш.

КОНТРАМАРКА [*фр.* cotramarque] Томоша жойларига бепул кириш ёки ундан вақтинча чиқиб кетиб, қайта кириш учун ҳуқуқ берадиган талон.

КОНТРАСТ [*фр.* contraste] **1** Кўзга ташланадиган кескин фарқ; қарама-қаршилик.

2 Рассомлик ва фотографияда: предмет тасвирининг бир-биридан кескин фарқ қиладиган қоронғи (тўқ) ва ёруғ (оч) жойлари. *Контраст сурат.*

КОНТРАТАКА [*фр.* contre-attaque – қарши ҳужум] Ҳимояланувчи қўшинларнинг ҳужум қилаётган душманга унинг ҳужумини қайтариш мақсадидаги қарши ҳужуми. *Батальон душман атакаси такрорланишини кутиб.. ўзи контратакаларга ўтиб, ёвга талафот етказишга ҳозирланиб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КОНТРИБУЦИЯ [*лот.* contributio – қўшиш, қўшиб ҳисоблаш] Урушда енгилган давлат томонидан ғолиб давлатга сулҳ шартномаси асосида тўланадиган пул; товон; чет эл қўшинлари томонидан босиб олинган ҳудуд аҳолисига солинадиган мажбурий солиқ.

КОНТРОЛЁР [*фр.* controleur – назоратчи, текширувчи] *қ.* **назоратчи.** *Мен сизни контролёр деб ўйлабман, билетсиз кетаётган эдим.* «Муштум».

КОНТРОЛЬ [*фр.* controle < contre-role – рўйхат нусхаси; текшириш, назорат] *қ.* **назорат.** *..ҳуқуқларни муҳофаза қилувчи органларнинг иши устидан контролни кучайтириш лозим.* Газетадан.

КОНТРРЕВОЛЮЦИОН *қ.* **аксилинқилобий**. *Милиция ходимлари кўпинча контрреволюцион кучларнинг биринчи зарбаларини қайтардилар.* Газетадан.

КОНТРРЕВОЛЮЦИОНЕР [*фр.* contre-revolutionnaire – контрреволюция тарафдори] *қ.* **аксилинқилобчи**.

КОНТРРЕВОЛЮЦИЯ [*фр.* contre-revolution – революцияга қарши, революция душмани] *қ.* **аксилинқилоб**.

КОНТУЗИЯ [*лот.* contusion – шикаст, лат ейиш, майдаланиш] Тўсатдан етган зарбдан (мас., снаряд ёки бомба портлашидан) организмнинг жароҳатланмай лат ейиши, карахт бўлиши. *Узоқов.. жанг вақтида контузия бўлиб, бир неча кун медсанбатда даволанди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

КОНТУР [*фр.* contour – ташқи кўриниш] **1** Нарса-предметнинг ташқи, сиртқи шакли, қурилиши; нарсаларнинг чизиқлар билан тасвирланган ташқи кўриниши. *Бинонинг контурини чизмоқ.* ▬ *Рассом безакнинг контурини поғона-поғона бўлиб тушувчи чизиқлар билан давом эттиради.* «Фан ва турмуш».

2 *эл., радио* Электр оқими ва кучланишнинг эркин тебранишлари пайдо бўладиган ёпиқ электр занжири.

КОНТУРЛИ Контурдан иборат, контурдан ташкил топган. *Контурли расм.*

Контурли карта Қуруқлик, шунингдек, сув ҳавзаларининг номи кўрсатилмай, фақат шакли кўрсатилган рангсиз географик карта. **Контурли чизиқ** Қатор нуқталардан иборат чизиқ.

КОНУС [*юн.* konos – дубулға учи] *геом.* Тўғри бурчакли учбурчакнинг катет атрофида айланишидан ҳосил бўладиган геометрик шакл ва шу шаклдаги нарса.

КОНФЕДЕРАЦИЯ [*лот.* confoederatio – иттифоқ, уюшма, бирлашма] **1** Мустақиллигини сақлаган ҳолда муайян масалаларда ўз давлат ҳокимияти ва органларига эга бўлган давлатлар томонидан тузиладиган давлат қурилиши шакли.

2 Бирон-бир ташкилотлар уюшмаси, иттифоқи.

КОНФЕРАНСЬЕ [*фр.* conferencier – хабар, ахборот берувчи; маърузачи] Эстрада томошаларида концертларни олиб борувчи, номерларни эълон қилувчи ва ўйинлар орасида ўзи ҳам ҳазил, кулгили номерлар ижро этувчи артист. *Конферансье навбатдаги номерни эълон қилгани чиққанда ҳам қарсаклар гулдуроси тинмаган эди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

КОНФЕРЕНЦ-ЗАЛ [*нем.* Konferenzsaal] Тантанали мажлислар, конференциялар, кенгашлар ўтказиладиган зал.

КОНФЕРЕНЦИЯ [*лот.* coferentia – бир жойга тўпланиш; йиғилиш] Бирор масалани муҳокама қилиш, ҳал этиш учун ҳукумат, партия, ижтимоий, илмий ва ш. к. ташкилотлар вакилларининг муайян масаланинг муҳокамаси ва ечимига бағишланган мажлиси, йиғилиши. *Тинчлик тарафдорларининг халқаро конференцияси. Ўқитувчилар конференцияси. Партия конференцияси.* ▬ *Эртага эрталаб олтин бўйича Ўрта Осиё конференцияси очилади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Матч олдидан унинг иштирокчилари бир неча матбуот конференцияси ва суҳбатлар ўтказдилар.* Газетадан.

КОНФЕССИЯ [*лот.* confessio – тан олиш, эътироф этиш] Диний ишонч, эътиқод; мазҳаб.

КОНФЕТ [*итал.* confetto – қанд-шакардан тайёрланган ширинлик < *лот.* confectus – тайёрланган; пиширилган] Турли шарбатлардан шакар қўшиб, қайнатиб тайёрланган ҳар хил шаклдаги қандолат маҳсулоти. *Нордон конфет. Шоколадли конфетлар.* ▬ *Гавҳар конфетни Маҳкамнинг очиқ кафтига секин қўяётганида, қўл қўлга тегиб, биридан бирига ёқимли ҳарорат ўтгандай бўлди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КОНФИСКАЦИЯ [*лот.* confiscatio – (мол-мулкни) хазина фойдасига олиб қўйиш] Хусусий кишиларга қарашли мол-мулкларни батамом ёки қисман давлат ихтиёрига ўтказиш, мусодара қилиш.

КОНФЛИКТ [*лот.* conflictus – тўқнашиш; қарама-қаршилик] Қарама-қарши томонлар, фикр, куч ва ш. к. нинг тўқнашуви; жиддий келишмовчилик, кескин низо; халқаро муносабатларда баъзан қуролли тўқнашувларгача олиб келадиган жанжал, можаро. *Чегара конфликти. Драматик конфликт.* ▬ *Кекса пахтакор билан ёш агроном ўртасидаги конфликт воқеага асос қилиб олиниб-ди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

КОНФРОНТАЦИЯ [*фр.* confrontation < *лот.* con – қарши + frons, frontis – пешона, олд томон] Қарама-қаршилик, ўзаро ихтилофда бўлиш, тўқнашув.

КОНФУЦИЙ(ЧИ)ЛИК [< *хит.* Конфуций (Кун-цзи) – ахлоқий-диний таълимот асосчиси номидан] Хитойда тарқалган уч асосий ахлоқий-диний таълимот (даосизм ва буддизм билан бирга)дан бири (асосий тушунчалари: инсонпарварлик, одоб қоидалари ҳамда инсондаги ижобий фазилатлар).

КОНЦЕНТРАТ 1 [*лот.* concentratus – бир жойга тўпланган, жалб этилган] Махсус ишловдан ўтказилган ва пиширишга тайёр қилиб қўйилган қуруқ масаллиқ. *Каша концентрати. Шўрва концентрати.* ▬ *Самолёт яна бир нечта қоп ташлади. Бу қопларда концентрат, сухари ва шакар бор эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шароит фалакда космонавтларни концентрат, сиқма овқат истеъмол этишга мажбур этади.* «ЎТА».

2 *қ. х.* Тўйимли моддаларга бой, кучли ем-хашак, озуқа. *Концентрат ем.* ▬ *Биз ҳар бош қўйининг қишлови учун ўртача 2 центнердан хашак, етарли миқдорда ширали*

озуқа ва концентрат тайёрлаб қўйганмиз. Газетадан.

3 *кон.* Фойдали қазилмаларни бойитиш (тош, тупроқ каби кераксиз нарсаларни чиқариб ташлаш) йўли билан ҳосил бўлган маҳсулот. *Вольфрам концентрати. Мис концентрати.*

КОНЦЕНТРАТЛИ Тўйимлилик даражаси юқори, концентрат билан тайёрланган. *Агар сигир концентратли озуқа ва кўкат ўтлар билан тўйдириб боқилса, йил давомида сут бераверади.* Газетадан.

КОНЦЕНТРАЦИОН: **концентрацион лагерь** Фашист режими ҳукмрон бўлган мамлакатларда: сиёсий маҳбуслар қамаладиган махсус лагерь. *..миллионга яқин бегуноҳ жазоирлик концентрацион лагерларда азоб чеккан.* Газетадан.

КОНЦЕНТРАЦИЯ [*лот.* concentratio – бирор нарсанинг тўпланиши < *con* – бирга + centrum – марказ] **1** Бир жойга тўплаш, йиғиш; тўпланиш, йиғилиш. *Маргимушни биласиз, учувчи унсур, у олтинли қатламлар тепасида нурдай таралиб, ҳовурдай жимирлаб ётади. Катта олтин концентрациясини шу атрофдан излаш кераклиги аниқ эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 *ким.* Суюқликда эритилган ёки ҳавога тарқалган модданинг шу суюқлик ёки ҳаво ҳажмига нисбатан миқдори, кўп-озлиги, қуюқ-суюқлиги. *Ҳавода заҳарловчи модданинг концентрацияси.*

КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШМОҚ Бир ерга тўпланмоқ, жамланмоқ. *Гарчанд Россия асосан аграр мамлакатлигича қолган бўлса-да, унда капитализм жадал ривожланиб борди, саноат ишлаб чиқариши жуда юксак даражада концентрациялашди.* Газетадан.

КОНЦЕНТРИК *мат.* Умумий марказга эга бўлган. *Концентрик айланалар.*

КОНЦЕПЦИЯ [*лот.* conceptio – тўплаш, бирлаштириш; тизим; ибора] Қарашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули. *Таржима концепциясининг таянч нуқтаси интерпретациявий мавқедан иборат.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Навоийнинг шу мавзудаги қитъасининг қуйидаги байтида ҳам унинг концепцияси мухтасар ва аниқ ифодаланган.* «ЎТА».

КОНЦЕРН [*ингл.* concern – иштирок; манфаат; корхона] Расман ўз мустақиллигини сақлаб қолувчи, лекин амалда марказлашган молиявий назорат ва раҳбариятга бўйсунувчи бир қанча саноат, молия ва савдо корхоналарининг бирлашмаси, қўшилмаси.

КОНЦЕРТ [*фр.* concert < *итал.* concerto – уйғунлик, келишув < *лот.* concertare – қизғин мусобақалашмоқ, баҳслашмоқ] **1** Мусиқа асарлари, ашула, рақс ва ш. к. номерларнинг маълум дастур асосида омма олдида ижро этилиши, оммага кўрсатилиши. *Унинг овози жимжит студиянинг баланд шифтларига тегиб жаранглар, бугунги концертда ўзи ғолиб чиқаётганини, ажиб бир оҳангда айтаётганини билиб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Симфоник оркестр ёки халқ чолғу асбоблари оркестрининг жўри билан ёлғиз бир чолғу асбоби учун ёзилган йирик мусиқа асари.

КОНЦЕРТМЕЙСТЕР [*нем.* Konzertmeister – концерт устаси, бошқарувчиси] **1** Оркестрда ижрочилар гуруҳини бошқариб борувчи (биринчи скрипкачи, биринчи альтчи ва ш. к.).

2 Ашулачиларни тайёрловчи, машқ қилдирувчи пианиночи.

КОНЦЕССИЯ [*лот.* concessio – рухсат; ён бериш, йўл бериш] **1** Бирор давлат ёки маҳаллий органлар тасарруфидаги табиий бойликлар ёки бошқа хўжалик объектларидан вақтинча фойдаланиш, айрим корхона, кон ва ш. к. ни ишга солиш, қуриш учун ижозат бериш ва шу ҳақдаги шартнома.

2 Шундай шартнома асосида қурилган, ишлаётган корхона.

КОНЦЛАГЕРЬ *айн.* **концентрацион лагерь** *қ.* **концентрацион**.

КОНЧИ Конда ишловчи, кон ишчиси. *Ҳа, нима бўпти боқса, кончи йигит, Юрагингни агар ёқса, кончи йигит? Меҳмон бўлгин кондан қайтганингда, Қайсиси сенга ёқса, кончи йигит.* Т. Тўла. *Бироқ бу ўйиқлардан қадимий кончилар нима қазиб олганликлари маълум эмас.* С. Кароматов, Олтин қум.

КОНЧИЛИК 1 Кон иши, кончи иши, касби.

2 Кон қуриш ва кондан фойдаланиш соҳаси.

КОНЬ [*р.* конь – от] *спрт.* Гимнастика машқлари учун мўлжалланган, козёлдан узун, тўрт оёқли асбоб, спорт анжоми.

КОНЬКИ [*р.* «конь» сўзидан] *спрт.* Оёқ кийимига боғлаб, музда учиш учун ишлатиладиган, энсиз узун тиғли мослама. *Конькида учмоқ.* ▬ *Юзларидаги қизили напормон бўлиб кетган тинмас шўх болалар оёқларига коньки, тахтакач боғлаб.. шаҳар айланадилар.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

КОНЬКИЧИ Конькида учиш билан шуғулланувчи спортчи.

КОНЬЮНКТИВА [*лот.* conjunctivus – бириктирувчи] Кўзнинг бириктирувчи пардаси – қовоқнинг ички сатҳи ва кўз соққасининг олдинги (ташқи) сатҳини қоплаб турувчи юпқа шаффоф шиллиқ парда.

КОНЬЮНКТИВИТ Кўз шиллиқ пардаси – конъюнктиванинг яллиғланиши.

КОНЬЮНКТУРА [*лот.* conjunctura < conjungere – бириктирмоқ, қўшмоқ] **1** Ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳасидаги шарт-шароитлар мажмуи, шу соҳада вужудга келган, пайдо бўлган аҳвол, вазият.

2 Иқтисодиётнинг маълум даврдаги жорий ҳолатини кўрсатувчи белгилар мажмуи; бозорда у ёки бу товарга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати.

КОНЬЯК [*фр.* Cognac – Франциядаги шаҳар номи] Узум виносини ҳайдаш ва узоқ муддат сақлаш йўли билан олинадиган кучли спиртли ичимлик. *Яхна гўшт, қази, тузланган бодринг ва бир неча шишада вино, коньяк қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КООПЕРАТИВ [*лот.* cooperatio – шериклик, ҳамкорлик] **1** Дастлабки босқичда ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқаролар гуруҳини жамлаган ташкилот. *Давлат ва кооператив ташкилотлари ишга туширилди.* Газетадан.

2 *эск.* Кооперация магазини. *Кооперативнинг доимий мижозлари.* ▬ *Гузарнинг икки тарафини чойхона, кичик бостирмага жойлашган кооператив ва узун чўзилиб кетган ичин-ташин данғиллама иморат ўраб олган.* Ҳ. Шамс, Душман.

КООПЕРАТИВЛАШМОҚ Кооперация асосида бирлашмоқ.

КООПЕРАТИВЧИ **1** Кооперация, кооператив аъзоси, иштирокчиси.

2 *с. т.* Кооперацияга қарашли магазин сотувчиси. *Қулоқ-бурунларигача жун шарф билан ўраб, мўлтайиб ўтирган кооперативчи.. кичкина дўкончаси ичида баъзан депсиниб-депсиниб қўяди.* Ҳ. Шамс, Душман.

КООПЕРАТОР [*фр.* cooperateur – ходим, бирга ишловчи] *айн.* **кооперативчи**.

КООПЕРАЦИЯ [*лот.* cooperatio – шериклик; ҳамкорлик] **1** Ўзаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашини ташкил этиш шакли.

2 Пайчилардан тушган маблағ асосида тузилган савдо-сотиқ ёки ишлаб чиқариш корхонаси, жамияти. *Ҳунармандчилик кооперацияси. Уй-жой кооперацияси.* ▬ *Қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини сезгирлик билан ҳисобга олиб бормаётган матлубот кооперациялари ҳам бор.* Газетадан.

КООПТАЦИЯ [*лот.* cooptatio – қўшимча сайланиш, қўшимча сайлаш] Сайлаб қўйиладиган органлар таркибига, қўшимча сайловлар ўтказмай туриб, янги аъзолар ёки номзодлар киритиш.

КООРДИНАТ [*лот.* co – билан, бирга + ordinatus – тартибга солинган, йўлга қўйилган] Нуқтанинг текислик ёки фазодаги ҳолатларидан бирини кўрсатувчи белги. *-Координатини айт! – Юрьев телефон трубкасига қичқирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Етакчи самолёт учувчиси координатларни пухта такрорлади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

КООРДИНАЦИОН Координация қилувчи, мувофиқлаштирувчи. *Шу ойда Тошкентда ўзбек филологияси масалалари бўйича II республика координацион йиғилиши бўлиб ўтди.* «ЎТА».

КООРДИНАЦИЯ [*лот.* coordinatio – ўзаро келишув < co – билан, бирга + ordinatio – тартибга солиш; жойлаштириш] Иш, фаолият ва ш. к. ни бир-бирига мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш. *Координация масаласи йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.* Газетадан.

КОПАР: **копар иссиқлик** Ўта иссиқлик (*қ.* **иссиқлик 3**). *Қази – копар иссиқлик.* **Копар совуқлик** Ўта совуқлик (*қ.* **совуқлик 5**). *Карам шўрва – копар совуқлик.*

КОПИЯ [*лот.* copia – бойлик; кўплик, миқдор; захира] Аниқ нусха, бирор нарсанинг аниқ, айни такрорланган акси, тасвири.

КОПТИКОВ [*ф.* کافتوکاو – ковлаш, ковлаштириш; излаш, қидириш]: **коптиков қилмоқ** Роса суриштирмоқ; ков-ков қилмоқ. *Ҳовлига кириб борди. Айвонда ер чизиб ўтирган хотинини кўрди. Ҳозир сўрайди, қаёққа бордингиз, қаерда экан, дея коптиков қилади, деб хаёлига келтирган эди, Меҳриниса чурқ этмади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КОПТОК 1 Чўзилувчан ёки эластик материалдан ишланган, қаттиқ сатҳга урилганда, ирғиб отиладиган шар; тўп. *Футбол коптоги. Волейбол коптоги. Резинка копток. Болалар коптоқ ўйнашмоқда.* ▬ *Фақат кўча ичкарисида, ягона симёғоч тагидаги сайҳонликда икки қизалоқ коптоқ ўйнайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Коптокка ўхшатиб ўралган, думалоқ ўрам (ип, каноп ва ш. к. ҳақида). *Бир копток ип. Уч копток ипак.* ▬ *Ранг-баранг ипакларни калавасидан чиқариб, чархда бир-икки товлаб олади-да, копток қилиб ўраб қўяди.* Ойдин, Бечора.

КОР [*ф.* کار – иш, меҳнат; юмуш] *кам қўлл.* **1** Бирор мақсадда қилинадиган фаолият, ҳаракат, иш. *Энди бу коринг қўйгин, Беҳуда юраринг қўйгин.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Сиз «қаторда норим бўлса, юким ерда қолмайди», деб юрибсиз. Гап норда эмас, корда!* С. Абдуқаҳҳор, Гап норда эмас.

Кори бад Ёмон иш, ярамас хатти-ҳаракат. *Сиз менинг мактабимни ёндирмадингиз, йўқ , болаларнинг дилларида ўз кори бадингиз билан ўзингизга нафрат ўтларини ёндирдингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кори хайр** Хайрли, яхши иш; ҳиммат билан берилган (бериладиган) нарса. *-Кори хайр иши давлатга қарамайди, оғайни,— писанда қилди мулла Бердиёр, — ҳимматга қарайди, ҳимматга.* «Муштум». *Бир-биримизга қанот-қуйруқ бўлиб, вақт-соат етганда, кори хайрга киришамиз.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Ҳожат-эҳтиёж. *Бирор корига ишлатмоқ.* ▬ *Шунисига суюнаманки, ўша вақтларда яхшигина рўзғор тузиб, қўр-қут орттирган эканмиз, бари халқнинг корига ярайди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Тўғрилаш йўли; илож. *..шундоқ қилсам, чакки бўлмас. Бунинг кори осон.* «Муштум». *Суянган тоғимиз ўзингиз, опахон, бир корини қилмасангиз, ишкал бўлиши турган гап.* А. Тўлаганхўжаев, Чигирткалар.

Кор жойи Нозик жойи, таъсир қиладиган жойи. *Молларни олиб чиқиб кетишди, қий-чув солиб, чироқ ёқиб қарасак, ўлиб ётибди. Унинг кор жойига пичоқ солган экан.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. **Кор қилмоқ** Таъсир қилмоқ. *Сув ўтга кор қила бошлади ва орадан бирор соат ўтар-ўтмас, аланга пасайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳой, Юлдузхон, сенга кулишга кулдим-у, боядан бери ўзимга кор қилмаяпти-да.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Кори ҳол** Бирор иш, ҳодиса (одатда, номақбул иш, ҳодиса). *Майли, жиддий кори ҳол рўй бермаган бўлса бўлди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

КОРАНДА [*ф.* کارنده – деҳқон; иш берувчи; ишчи] *тар.* Ҳосилнинг бир қисмини (1/4 дан 1/2 гача қисмини) олишга байлашиб ишловчи деҳқон. *Мен мингбошининг корандасиман. Каллайи саҳардан қоронғи кечгача қўш ҳайдаб, бир маҳал ҳўкизларимни қайтариб келаётсам, ҳаром ўлгурлардан биттасининг оёғи бузуқ кўприкка тиқилиб, синиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Йигитлардан бири — увада кийимли.. юзи офтобда куйган корандами, чорикорми.. йўғон товуш билан атрофга бонг урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КОРАФТА [*ф.* کارافتاده – тажрибали, кўпни кўрган] *с. т.* Кўпни кўрган, ўз бошидан кечириб, тажриба орттирган; тажрибали. *Ўзи ўн йил муттасил машина ҳайдагандан кейин корафта бўлиб кетаркан, керак бўлса, чироқсиз ҳам ишлайверади.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

КОРГОҲ [*ф.* کارگاه – устахона; корхона, ишхона] *эск. кт.* **1** Ўзаро тортишувлар, олишувлар бўлиб турадиган жой, кураш майдони. *Аввало шуни айтай: бу олам, дарҳақиқат, ғоят мураккаб сиргоҳ ва коргоҳдир. Лекин энг мураккаб нарса — одамдир, одам бўлмоқдир.* В. Зоҳидов, Гўзаллик нимада?

2 *айн.* **ишхона**.

КОРДОН [*ф.* کاردان – билимдон; ишбилармон] *кт. кам қўлл. айн.* **ишбилармон.** *Сиз каби кордон пойтахтимизда осойишталикни.. барпо қилур.* Ойбек, Навоий.

КОРЕЙС 1 Корея аҳолисининг асосини ташкил қилувчи халқнинг номи. *Корейс халқи. қ.* **корейслар**.

2 Шу халққа мансуб. *Корейс тили.*

КОРЕЙСЛАР Кореянинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

КОРЖОМА [*ф.* کار – иш + جامه – кўйлак, кийим] Иш кийими. *Шийпон четидаги трактор ғилдираклари остида коржома кийган ёш йигит тимискиланиб, ўзича гоҳ у, гоҳ бу ерни тиқирлатиб қўярди.* Р. Пўлатов, Олтин калит. *Вой ўлсин, сал чарчаш шунақа бўлса, рангингда ранг, ҳолингда ҳол қолмабди. Айвонга чиқ, коржомангни еч!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

КОРЗИНКА [*р.* корзин(к)а – сават, кажава] Дастали сават. *Бир корзинка олма.* ▬ *У қозиқдаги пахталигини кийиб, қўлида корзинка, гастрономга кетади.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн.

КОРИДОР [*фр.* corridor < *лот.* corridorium – югуриш жойи] Бинонинг ичидаги хоналарга кириш ва хоналараро алоқа учун хизмат қилувчи йўлак. *Улар коридордан ўтаётганларида, Вася Степанов мудирнинг кабинетидан чиқди.* П. Турсун Ўқитувчи. *Аллақаерда овози баландлатиб қўйилган радио шанғиллайди, коридорда қизлар полни гурсиллатиб юришади..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КОРИЗ [*ф.* کاریز – ер остидан ўтказилган сув йўли; ариқ] *қ. х.* Бир неча қудуқларни бирлаштирувчи ер ости канали, бир-бири билан бирлаштирилган қудуқлар тизими. -*Ғўза қуриб қоляпти. Сув керак, сув! Коризлар бўлса кўмилиб кетяпти! – деди раис.* С. Анорбоев, Меҳр. *X–XI асрларда деҳқонлар Ёйилма ва Сарикўл сойларининг бўйларида кориз усулида ер ости сувини ҳам ишга солганлар.* С. Анорбоев, Қатрада қуёш акси.

КОРЛАМОҚ *шв. кам. қўлл.* Қулоққа олмоқ, эътибор бермоқ (қилмоқ). *Бицинингдан шайтон қитиқлаб турганидан кейин отанинг гапини корлармидинг.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

КОРОБКА [*р.* коробка – липа пўстлоғидан тўқилган сават < *пол.* krobka < *лот.* corbis – сават, корзина] Картон, тахта ёки металлдан ясалган қопқоқли кичкина идиш; қутича. *У лўмбиллаб даҳлизга чиқди, сув олиб кириб, чой қўйди, шкафдан бир коробка конфет олди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Тезликлар коробкаси *тех.* Автомашина, трактор ва ш. к. да тезликларни ўзгартириш учун хизмат қиладиган механизм.

КОРОЛЛИК *айн.* **қироллик**.

КОРОЛЬ [< *лот.* Carl – франклар ҳукмдори Буюк Карл номидан] **1** *айн.* **қирол**.

2 *с. т.* Шоҳ (шахмат ва қарта ўйинида). *Ғиштин король.*

КОРОНКА [*лот.* corona – тож, чамбар] Тишни сақлаш учун унга кийдириб қўйиладиган, металл ёки пластмассадан қилинган қоплама.

КОРПОРАТИВ Бирон-бир корпорация, уюшмага мансуб, оид; кўпчиликка, умумга тегишли. *Айниқса, банкнинг корпоратив мижозлар билан яқиндан иш олиб бориши туфайли унинг активлари 68,5 миллиард сўмга ошди.* Газетадан. *Пластик карточка шахсий ва корпоратив бўлиши мумкин.* Газетадан.

КОРПОРАЦИЯ [*лот.* corporatio – бирлашма, ҳамжамият] **1** Касб ёки табақа манфаатлари умумийлиги асосида бирлашган кишилар гуруҳи, жамияти, иттифоқи.

2 Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда (мас., АҚШ, Канада каби) акциядорлик жамияти шакли.

КОРПУС [*лот.* corpus – тана, жисм, модда; бир бутун нарса] **1** Механизм, аппарат ва ш. к. нинг таянчини ёки қобиғини ташкил этувчи қисми. *Соат корпуси. Станок корпуси.* ▬.. *анҳор бўйида машина корпусининг баланд қадди кўринди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўзиюрар шассининг афзаллиги шундаки, унинг корпусига пахтачиликдаги барча иш жараёнларини бажара оладиган машина ва агрегатларни ўрнатиш мумкин.* Газетадан.

2 Бир умумий участкадаги, бир мажмуага кирувчи бинолардан бири, алоҳида бино. *Ўнга яқин синфхона ва катта спорт залини ўз ичига олган янги корпус қурилиб, фойдаланишга топширилди.* Газетадан. *Тўқув ва тикув дастгоҳлари жойланадиган корпусда 500 нафарга яқин маҳаллий ишчилар меҳнат қилишади.* Газетадан.

3 Бир неча дивизия ёки бригададан иборат йирик ҳарбий қўшилма. *Фронт қўмондонлиги плацдармда армиянинг бир корпусини қолдириб, қолган икки корпуси билан жанг қилишга буйруқ берди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *32-ўқчи корпус жангчилари дарёнинг чап қирғоғида мудофаага ўтиб, окоп қазишга киришдилар.* Газетадан.

4 Бирор давлатдаги барча дипломатлар, консуллар.

Қонун чиқарувчи корпус Қонун чиқарувчи айрим муассасаларнинг ёки қонун чи-

қарувчи органга тегишли палаталарнинг барча депутатлари. *Қонун чиқарувчи корпус раиси бўлган Шнейдер заводга солдатлар чақирди, стачка бостирилди.* «Янги тарих».

КОРРЕКТОР [*лот.* corrector – тузатувчи] Корректура ўқиш ва тузатиш ишини бажарувчи типография ёки нашриёт ходими; мусаҳҳиҳ. *Машиналар ғириллаб, Саҳифалаб беради. Бир ёқдан корректорлар Солиштириб кўради.* Қ. Муҳаммадий.

КОРРЕКТУРА [*лот.* correctio – тузатиш, тўғрилаш] **1** Босилган матндаги хатоларни тузатиш.

2 Матннинг хатоларини тузатиш учун бостириб олинган нусха. *Бир куни муҳаррир корректура ўқиб ўтирган эди, кабинет эшиги тақиллаб қолди.* С. Абдуқаҳҳор, Рецензент.

КОРРЕЛЯЦИЯ [*лот.* correlatio – ўзаро нисбат, муносабат] **1** Нарсалар ва тушунчалар ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро мувофиқлиги, бир-бирига боғлиқлиги.

2 *мат.* Қатъий функционал хусусиятга эга бўлмаган тасодифий миқдорлар орасидаги эҳтимолий боғланиш.

3 *биол.* Одам, ҳайвон, ўсимликлар организмидаги таркибий қисмларнинг тузилиши ва вазифалари ўртасидаги ўзаро мослашувчанлик, уйғунлик; боғланиш.

4 *тлш.* Лисоний унсурларнинг ўзаро шартланганлиги, улар ўртасидаги алоқа, ўзаро боғлиқлик.

КОРРЕСПОНДЕНТ [*фр.* correspondant < *лот.* correspondere – жавоб бермоқ, хабардор қилмоқ] **1** *айн.* **мухбир**.

2 *иқт.* Бошқа ташкилотларга бозорда тўла, ҳар томонлама фаолият олиб бориши учун хизмат кўрсатувчи банк ёки бошқа молия ташкилоти.

КОРРЕСПОНДЕНЦИЯ Мухбирлар томонидан оммавий ахборот воситалари учун жойлардан юборилувчи хат, хабар, жўнатмалар. *Ишчи ва қишлоқ мухбирларининг мақолалари, корреспонденцияларида.. муҳим масалалар кўтарилмоқда.* Газетадан.

КОРРИДА [*исп.* corrida de toros – буқалар югуриши, пойгаси] Испания, Португалия, Жанубий Франция ва Лотин Америкасида қадимда пайдо бўлган буқа жанги (буқа билан кураш олиб борувчи, уни ўлдирувчи кишилар «матадор», «тореро» деб аталади).

КОРРОЗИЯ [*лот.* corrosio – емирилиш] *тех.* Металларнинг кимёвий таъсир остида емирилиши, занглаши. *Сув агрессив муҳитни вужудга келтиради, шунинг учун коррозия мусибатнинг ўзгинаси, чунки бунда темирдан тортиб то электроникагача ишдан чиқади.* «Фан ва турмуш». *У [қотишма] сифатлари жиҳатидан гранит ва мармардан қолишмайди, коррозияга чидамлилиги юқоридир.* Газетадан.

КОРРУПЦИЯ [*лот.* corruptio – бузиш, йўлдан оздириш; сотиб олиш] Мансабдор шахсларнинг ўзларига ишониб топширилган ҳуқуқлари ва ҳокимият ваколатидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши (коррупция порахўрлик, мансабни суиистеъмол қилиш ва б. ноқонуний ҳаракатларни ўз ичига олади). *Ҳокимият тепасида турган ҳукумат чириб-ириб кетгандан кейин, бошқалари бу ҳукуматни ағдариш учун курашардилар, лекин курашганда ҳам, коррупция ва эксплуатацияга хотима бериш учун курашмас эдилар.* Газетадан.

КОРСЕТ [*фр.* corset – маҳкам ушлаб, тутиб турувчи] Қадди-қоматни чиройли, расо тутиш ёки даволаш мақсадида тақиладиган, кўкрак қафасининг пастки қисми ва қоринни сиқиб, тортиб турадиган махсус белбоғ.

2 Умуртқа поғонаси синган, қийшайган ва касалланган пайтда уни керакли ҳолатда ёки қимирлатмай тутиб турадиган ортопедик мослама.

КОРСОЗ [*ф.* کارساز – ишни бажаришга ёрдам берувчи] *айн.* **кордон**. *Корсоз йигитга ўхшаб кетади.* Ойбек, Навоий.

КОРСОН [*ф.* کارسان – ёғоч ёки сопол хампа; қути] **1** Ёғочдан ишланган катта товоқ. *Бир катта қарағай оғочнинг тагини ўйдириб олган катта корсони бор эди, кичикроқ ҳовуздай эди.* «Ойсулув». *Корсонда қимиз келди. Бек бир-икки зарангни ичгандан кейин ясланиб, кўкка қараб ётиб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дастурхон устига бир корсон ширқовоқ қўйилган.* С. Айний, Дохунда.

2 Айрим мусиқа асбобларининг товушни кучайтирадиган ковак қисми, қорни. *Дастанг зардолидан, корсонинг арча, Бордир оҳангларинг ёқимтой анча, Куйласанг, қўлингга маҳлиё барча, Суҳбатнинг машъали бўлган, дўмбирам.* Ёдгор бахши.

3 *шв.* Эгарнинг орқа қисми. *От белига ташлай берди чол Соқи, Корсони кумуш, қоши олтин эгарни.* «Хушкелди». *Ўртоқ директор эгарда, мен эгар корсонини ушлаб ўтирибман.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

4 От туёғининг гардиш қисми. *Йигирма уч кеча-кундуз югуриб, Корсонидан ивиб тушди туёғи.* «Маликаи айёр».

КОРТ [*ингл.* court – ҳовли; ўйин майдончаси] Катта теннис ўйини учун жиҳозланган, мослаштирилган майдонча.

КОРТЕЖ [*фр.* cortege – кириб келиш; жўнаб кетиш] Тантанали юриш, маросим (асосан транспортда).

КОРУНД [*нем.* Korund < *қад. ҳинд тилидан*] Турли металлар оксидлари қўшилмасидан иборат қаттиқ абразив минерал.

КОРФАРМО [*ф.* کارفرمای – иш кўрсатувчи, иш буюрувчи; ишбилармон; корхона эгаси] *эск.* Иш буюрувчи, иш бошқарувчи, иш жараёнига раҳбарлик қилувчи. *Корфармо Аҳмад Чалабий кунлардан бир кун мадраса томида юрган Меъморга ишларнинг чала қолаётганига афсусланаётгандай бўлиб, таассуф билдирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КОРХОНА [*ф.* کارخانه – ишхона] **1** Ишлаб чиқариш ёки савдо бўлими ҳамда шундай бўлимлардан бир нечасининг бирлашмаси. *Давлат корхоналари. Савдо корхонаси. Хусусий корхона. Саноат корхоналари.* ▬ *Механика заводлари қурилгунга қадар эски тартибда дегрезлик корхонаси ишларди.* Ойдин, Бечора. *Ҳозир Денов шаҳрида ўнлаб саноат, автотранспорт ва қурилиш корхоналари ишлаб турибди.* «Фан ва турмуш».

2 *с. т.* Иш жойи, ишхона. *..кимдир бозорга ошиқади, кимдир туртиниб-суртиниб, корхонасига шошади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Малоҳат суриштиргани корхонага борибди; суриштириб қараса, Жонфиғон фақат ўн етти кун ишлабди, холос.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

КОРХОНАЧИ *тар.* Корхона эгаси.

КОРЧАЛ(Л)ОН [*ф.* کارچاقکن – даллол; ишбилармон] **1** Ўзини ҳаммадан билимдон деб ҳисобловчи, билармон; маҳмадона. *Санамай саккиз деб юрган экансиз, корчалон кекса!* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Ишбилармон, эпчил. *У [Алимардон] қай даражада корчалон ва уддабуролигини, бекнинг олдида катта обрўга эгалигини хўжайинга уқтириш фикрида эди.* С. Айний, Дохунда. *Азимжон ўзи бадавлат корчалон, йигит ёшидан буён қоракўл бўйича ноёб мутахассис.* А. Мухтор, Чинор. *Океан нарёғидаги бир корчаллон юмшоқ креслода пинакка кетиб ўтирарди.* «Муштум».

КОРЧАЛОНЛИК Корчалонга хос иш, хатти-ҳаракат. *Мен ундан [Мўминжондан] Холиқнинг қандай қилиб «инженер» бўлиб қолганини сўрасам, унинг энсаси қотиб: -Инженер қаёқда! Ўзларича корчалонлик қилаверадилар, – деди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

КОР-ҲОЛ (*тўғриси* **кори ҳол**) *қ.* **кор 3.** *Катталар-ку «бир кор-ҳол бўлмасин, эҳтиёт шарт» дегандек, кўзлари олазарак бўлаверди.* «Муштум». *Бирон кор-ҳол бўлмасин, деб моторга ўт бериб, жадал ҳайдаб кетди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

КОСА [*ф.* کاسه] **1** Пиёладан каттароқ, асосан суюқлик ва турли овқатлар солиб ичиш учун ишлатиладиган идиш. *Бир коса сут. Икки коса қатиқ.* ▬ *[Йўлчи].. меҳмонлар учун дам ясоғлиқ патнуслар, дам чой.. дам косаларда шўрвалар ташишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жувон бўшаган чинни косаларни йиғиштириб, ошхонага чиқиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргиза олмади. Туробжон икки коса ичди, хотин эса ҳануз бир косани яримлата олмас эди.* А. Қаҳҳор, Анор.

2 Ўз пўчоғи устида кўндалангига кесиб қўйилган қовун, тарвуз ёки ҳандалак бўлаги, палласи. *Қовунни коса қилиб сўймоқ.* ▬ *Патнус кўкча ва шакарпалак косалари билан тўлиқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўқоннинг қаймоққа йўғрилган пойгир патирлари, оқ пўст шафтолисию ҳафсала билан коса қилинган умурвоқи қовунлари..* К. Яшин, Ҳамза.

Бош косаси *анат.* Калланинг мия жойлашган қисми, мия қопқоғи. **Коса тагида нимкоса бор** Бир нарса, иш-ҳаракат заминида яширилган бошқа бир нарса борлигини билдиради, шунга ишора қилади. *Райком секретарининг бу ҳимматини Зумрад аввалига ёш, тажрибасиз раисга.. беғараз кўмак деб тушунди. Энди билса, коса тагида нимкоса бор экан.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Косаси оқармайди** Ҳаёти, турмуши яхши-

ланмайди, ўнгланмайди. *Дангасанинг косаси оқармайди.* ▬ *-Дадам раҳматлининг қўли ҳар ҳунарга эпчил эди,— деди Йўлдошев, — аммо ҳеч вақт бечоранинг косаси оқармади.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Кўз косаси** Бош суягининг юз қисмидаги кўз жойлашган чуқурлик. *Унинг [Сотволдининг].. чап кўзи ўйилган ва кўз косасига қуюқ қора қон тўлиб қотиб қолган, маҳкам юмилган лаблари тимдаланган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Сабр косаси тўлиб тошди** қ. **сабр 2.** *Она эса насиҳат ва ўгит беришдан нарига ўтмайди. Сабр косаси тўлиб кетган қиз ноилож ёрилишга мажбур бўлди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

КОСАГУЛ Ўтиришда ичкилик қуювчи ва ўтиришни бошқариб турувчи шахс; соқий. *Косагул бўлгандир энанг, алла-ёр, алла-ёр!* «Ширин билан Шакар». *Косагул, қуйилсин мусаффо майлар, Ғалаба, бахт учун ичайлик, қани!* Уйғун.

КОСАГУЛЛИК Косагул иши, вазифаси. *Косагулликни Фосиҳ афанди олиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..раис косагуллик қилиб, манзират кўрсатган кишига ишора қилди, — мезбон хафа бўлдилар.* С. Нуров, Нарвон.

КОСАЧА 1 Коса 1 с. кичр.

2 *бот.* Гулнинг гултож остидаги косачабарглардан ташкил топган пиёласимон қисми.

КОСАЧАБАРГ *бот.* Гулнинг косачасини ташкил қилувчи яшил баргчалардан бири.

КОСЕКАНС [*лот.* co — бирга + secans — кесувчи] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг ўткир бурчак қаршисидаги катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция; қўшимча бурчакнинг секанси.

КОСИБ [*а.* كاسب — касб қилувчи, ўрганувчи, ҳунарманд**]** **1** Қўл иши билан шуғулланувчи ҳунарманд. *Қўли суст косибдан оёғи илдам гадой яхши.* Мақол. ▬ *Уста Мўмин ёлғизқўл бир косиб эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Найманча — азалдан косиблар маҳалласи.. Бўзчилик — бу ердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Оёқ кийими (этик, маҳси ва ш. к.) тикиш билан шуғулланувчи ҳунарманд. *Бу одамларнинг бири — Фармон кал лақабли этикдўз косиб бўлиб, ёши ўтиши билан у тузалиб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КОСИБЛИК Косиб иши, касби. *Бирмунча вақтлар олдин мулла Бурҳон косиблик билан кун кечирар эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *«Ари уяси»нинг аҳли бир маҳалла бўлиб, асосий касби косибликдир.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

КОСИБЧИЛИК *айн.* **косиблик**. *Буни сотиб, чарм, ип, сирач, мум сингари косибчилик учун керакли ашёларни олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КОСИЛКА [*р.* косилка < косить — ўрмоқ (ўт-ўланларни)] Ўт, беда ва ш. к. экинларни ўрадиган машина; ўроқ машина. *Пичан ўришга кимлар бориши, қанча от косилка, қанча трактор косилка ажратишни белгилашиб, қарор қабул қилишгунча, ўйинқароқ болалар икки уйқуни олишган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КОСИНУС [*лот.* co — бирга + sinus — бурилиш, қайрилиш, эгиш] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакда ўткир бурчакка ёпишган катетнинг гипотенузага нисбатидан иборат тригонометрик функция; қўшимча бурчакнинг синуси.

КОСКИ *кам қўлл.* Ярамас, бузғунчи, бузуқ каби ҳақорат маъносида қўлланади. *Аммо муомаласи дағал, оғзи коски бўлиб, одамларни оёқ учида кўрсатади.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Такаббур, бахил бир лўттибоз. Коски бир нобакор у валат!* Т. Тўла. *Ҳафталаб жой ўзгартириб юрган Хайрулло маҳалла коскиларининг иғволарига йўлиқди.* «Муштум».

КОСМЕТИК Косметикага оид. *Италияда косметик товарлар учун бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.* Газетадан.

КОСМЕТИКА [*юн.* kosmetike (techne) — пардоз, безатиш санъати] **1** Кишининг ташқи кўринишини яхшилаш мақсадида терини парваришлаш ва даволаш чора-тадбирлари; пардоз.

2 Пардозга, тери, соч, лаб, киприк, тиш, тирноқ кабиларни пардоз қилишга оид воситаларнинг умумлашма номи. *Аччиқ бодомдан кўпинча хушбўй эфир мойи олиниб, бу косметика саноатида кенг кўламда қўлланмоқда.* Газетадан.

КОСМЕТОЛОГ Косметология мутахассиси; пардозчи.

КОСМЕТОЛОГИЯ [косметика + *юн.* logos – таълимот, фан] Тиббиётнинг инсон ташқи кўринишини (юз, баданни), айрим аъзолар (бурун, қулоқ ва б.) шаклини турли ниқоб (маска)лар ёрдамида ёки жарроҳлик йўли билан яхшилаш воситалари ва методларини ишлаб чиқадиган бўлими.

КОСМИК 1 Космосга, коинотга, унда мавжуд нарсаларга оид, уни ўрганиш учун хизмат қиладиган. *Космик алоқа. Космик кема. Космик станция. Космик телевидение. Космик тиббиёт. Космик физика.* ▬ *Физик олимлар яқин вақтларга қадар космик бўшлиқни ўрганишни фақат орзу қила олар эдилар.* «Фан ва турмуш». *1960 йил 19 август куни иккинчи космик кема Ер йўлдоши орбитасига учирилди.* Ҳ. Шокирова, Парвозлар.

2 *кўчма* Жуда тез, космик тезлик даражасида рўй берадиган. *Қурилиш ишлари космик жадалликда бормоқда.*

КОСМОГОНИК Коинот (олам)нинг юзага келиш (пайдо бўлиш) жараёнига оид. *Дунёдаги барча халқлар мифологиясида ягона космогоник таълимот сингиб кетган.* «Фан ва турмуш».

КОСМОГОНИЯ [*юн.* kosmogonia – дунёнинг яралиши, пайдо бўлиши] Астрономиянинг осмон жисмларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги масалалар билан шуғулланадиган бўлими. *Ҳозирги замон космогонияси Қуёш системасида бўлган планеталарнинг ва Қуёшнинг ўзининг ҳам вужудга келишидаги бутун жараён жуда тез рўй берганлигини кўрсатувчи исбот-далилларга эгадир.* Газетадан.

КОСМОДРОМ [космос + *юн.* dromos – чопиш, югуриш жойи] Сунъий йўлдош, космик кема ва ш. к. космик аппаратларни учириш учун махсус жиҳозланган жой. *Космонавтлар Юрий Гагарин ва Герман Титов ҳам ўз дўстларига маслаҳат бергани, кўмаклашгани бу ерга, космодромга келишган.* Газетадан.

КОСМОНАВТ [космос + *юн.* nautes – денгизчи, денгизда сузувчи] Космик кемада космосга учувчи, космосга парвоз қилувчи шахс. *Космосда узоқ яшаган космонавтлардан бири Георгий Гречконинг фикрича, инсон вазнсизлик шароитида анча узоқ вақт бемалол ишласа бўлади.* «Фан ва турмуш».

КОСМОНАВТИКА [космос + *юн.* nautike – кемани юритиш, бошқариш] Космик аппаратларни планеталараро фазода учириш назарияси ва амалиёти. *Космонавтика тарихида киши бошқарадиган энг узоқ муддатли – 211 кунлик учиш муваффақиятли тугади.* Газетадан.

КОСМОПОЛИТ [*юн.* kosmopolites – дунё фуқароси] **1** Космополитизм тарафдори; ватанпарварлик ҳиссини йўқотган шахс.

2 *биол.* Ер юзида кенг тарқалган ҳайвонлар ёки ўсимликлар тури.

КОСМОПОЛИТИЗМ «Киши дунё фуқаросидир» деган сохта шиор остида ватанпарварликни, миллий маданият анъаналарини, халқларнинг миллий мустақиллигини инкор этувчи мафкура.

КОСМОС [*юн.* cosmos – бутун олам; коинот] Ер атмосферасидан ташқарида чўзилиб кетган, ўзида мавжуд бўлган барча объектларни ҳам қамраб олган фазо; Ер атрофидаги фазо (*яна қ.* **коинот**). *Инсон илк бор космосга сафар қилишидан олдин олимлар 15 турдан зиёд ҳайвон ва ўсимликларда тадқиқот олиб боришган.* «Фан ва турмуш». *Ниятим: ўзбек ёшлари космонавт-учувчи бўлиб, космосни забт этса. Мен шу ишга кўпроқ ҳисса қўша олсам бас.* Газетадан.

КОСОВ Ўт, оловни тўғрилаш, тортиш ва ш. к. учун ишлатиладиган ёғоч ёки темир таёқ. *Косов узун бўлса, қўл куймас.* Мақол. ▬ *Тоир ака қўлида косов билан олов тўғрилар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КОСТЁЛ [*пол.* kosciol] Полякларнинг католик ибодатхонаси.

КОСТЮМ [*фр.* costume] **1** Пиджак ва шим ёки жакет ва юбкадан иборат устки кийим.

2 *с. т.* Ёқаси қайтарилган, кўкрак олди очиқ, тугмали калта устки кийим; пиджак ёки жакет. *Мундоқ қарасам, катта йўл ўртасидан билагига костюм ташлаган давангидай бир йигит келяпти.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Маскарад ёки театр кийими (*қ.* **либос 2**).

КОСТЮМЕР [*фр.* costumer] Спектакль учун костюмлар, кийим-бошлар тайёрловчи театр хизматчиси. *-Театримизда-чи, режиссёр, костюмер, суфлёр.. ҳаммаси бор. Фақат раҳбар йўқ,– деди Собиржон Машрабга.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

КОСТЮМЛИК Костюм қилишга етадиган. *Бир костюмлик коверкот.*

КОТАНГЕНС [*лот.* co — *бирга* + tangens — уринувчи, уринма] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакда бурчакка ёпишган катетнинг қаршидаги катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция; қўшимча бурчакнинг тангенси.

КОТИБ [*а.* كاتب — (хат) ёзувчи, (китоб) кўчирувчи] **1** *тар.* Рўйхат тузиш, қўлёзмаларни кўчириш билан шуғулланган шахс; мирза. *Навоийнинг котибларга ҳомийлиги асосан 1469 йилдан, яъни у давлат арбоби вазифасига кўтарилиб, котибларга ҳомийлик қилиш учун моддий имкониятга эга бўлиши биланоқ бошланган.* «ЎТА».

2 Идора ва муассасаларда, лавозимли кишилар, ёзувчилар ва ш. к. шахслар ҳузурида ёзув-чизув ишлари ва ёзишмаларни олиб борувчи ходим, шахс. *Котиб ўтирадиган стол тепасидаги «Папирос чекма!» деган ёзув остига кимдир пистакўмир билан «Носвой чекавер!» деб ёзиб қўйибди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бу хатларни у шахсан ўзи ва котиби ёрдамида ўрганиб, аксариятига эринмай жавоблар ёзган.* Газетадан.

3 Идора, муассаса ва ш. к. лар котибиятига раҳбарлик қилувчи, котибият ишларига масъул ходим. *Фанлар академиясининг бош илмий котиби. Институтнинг илмий котиби.*

4 Махсус кенгаш, йиғинларнинг баённома ва ш. к. ёзув-чизув ишларини олиб борувчи шахс. *Диссертация ҳимоялари бўйича илмий кенгаш котиби. Мажлис котиби.*

КОТИБА Котиб аёл. *Назар қабулхонага чиқиб, котибага Алиматни топишни буюрди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Котиба раис кириши билан дик этиб ўрнидан турди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

КОТИБИЯТ 1 Муассаса ва ташкилотларда, анжуман ва ш. к. катта йиғинларда жорий ишларга раҳбарлик қилувчи ёки ташкилий-техник вазифаларни бажарувчи, сайлаб қўйилган орган ёки маъмурий бўлим. *Вазирлар Маҳкамаси котибияти.*

2 Шундай орган, бўлимларда ишлайдиган ходимлар.

КОТИБЛИК Котиб иши, вазифаси. *Қорабек аввалларда баъзи амлокдорлар ва ҳокимларга мирзалик — котиблик қилиб юрарди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Албатта, сув келтириш котиблик ишларига кўмилиб ўтиришдан кўра енгил ва ёқимли эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КОТИРОВКА [*фр.* coter — рақамламоқ, белгиламоқ] Биржада амалдаги вазият ва қонунчилик меъёрларига амал қилган ҳолда хорижий валюталар, қимматбаҳо қоғозлар курсини ҳамда товарлар нархини белгилаш.

КОТЛЕТ [*фр.* cotelette — қобирғача < *лот.* costa — қобирға] Қиймаланган ёки туйилган гўштдан тайёрланган ясси, кулча шаклидаги овқат (баъзи турларида қийма қобирғага ёпиштирилган бўлади). *Қайнатилган макарон билан котлет келтирдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КОТЛОВАН [*р.* котлован — пойдевор учун қазилган чуқур < котёл — идиш, тоғорача] Пойдевор қуриш учун қазилган чуқур. *Иморатларнинг пойдеворини қуриш учун котлован қазимоқдамиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўтган якшанба эрталаб Самадийлар турган тўғоннинг пастидаги котлованда сув пайдо бўлди.* А. Мухтор, Туғилиш.

КОТТЕЖ [*ингл.* cottage — деҳқон уйи] Унча катта бўлмаган, одатда, икки қаватли, бир оилага мўлжалланган тураржой. *Маҳалладаги коттежлар атрофига ўтқазилган «яшил девор» лар ҳам дарахтларга тақлид қилгандек ўсиб кетган.* «Муштум». *Гавҳарнинг боғчаси посёлканинг ўртароғида, бир қаватли бежирим коттежлар орасида экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КОФЕ [*голл.* coffie < *а.* قهوه] **1** Уруғидан махсус ичимлик тайёрланадиган тропик ўсимлик, қаҳва дарахти.

2 Шу дарахтнинг уруғи ва ундан тайёрланган кукун; қаҳва толқони. *Чой, кофе, какао, гармдори, қора мурч ва тамаки таркибида алкалоидлар бор.* «Фан ва турмуш»,

3 Шундай кукун, толқон қўшиб тайёрланган ичимлик; қаҳва. *Бир стакан қора кофе.* ▬ *Мулозим йигитнинг елим патнисда иссиқ кофе келтирганини одам сезмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КОФЕИН [*лот.* coffeinum < *а.* قهوه] Кофе дони, чой барги ва б. баъзи ўсимликлар таркибида бўладиган алкалоид (қўзғатувчи, тетиклантирувчи дори сифатида қўлланади). *Кофеин моддаси чойни хушхўр қилади, кишини тетиклаштириб, унинг чеҳрасини очади.* «Фан ва турмуш».

КОФИ [*а.* كافى — етарли] *эск. кт.* Кифоя қиларли, етарли. *Бу хизматга унинг*

илми кофими? [*деди Имом*]. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КОФИР [*а.* کافر – танимовчи, инкор этувчи, ислом динини танимовчи, ғайридин] *дин.* **1** *айн.* **ғайридин**. *Ҳамма мусулмонлар баб-баравар, деб ўйлайсизми? Мусулмонлар ўртасида бўрилар йўқми? Майли, кофирми, мусулмонми, биз бўриларнинг жазосини берамиз. Улар кофирда ҳам бор, мусулмонда ҳам.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Шаҳар фаранг, инглиз деган кофирлар билан тўлиб ётибди. Араблар унда-бунда кўринади, холос, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Дин йўлидан қайтган, худосиз. *Бир зум чўзилган сукутни Салимбойвачча бузди: -Уламоларимиз газета ўқиган одамларни ҳам «кофир» деб ҳисоблайдиларки, бу жаҳолатдан бошқа нарса эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

КОФТА [*р.* кофта – калта кўйлак ёки плаш <*нем.* Kuft – уй кийими] Аёлларнинг калта кўйлаксимон, одатда белгача тушадиган кийими. *У* [*Фотима*] *енгларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..деразадан тушаётган нур юпқа капрон кофтасидан ўтиб, новвотранг ич кўйлагининг тасмаларини.. ёритади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КОФТИКОВ, кофтуков *қ.* **коптиков.**

КОЧЕГАР [*р.* кочерга – темир косов] Буғ қозонларининг ўтхонасига ўт ёқувчи ишчи. *Пароход кочегари.*

КОЧЕГАРКА Буғ қозонининг ўтхонаси жойлашган, шунингдек, ёқилғи турадиган хона, жой. *Хотирангизда бўлса, шахтёрлар шаҳри – Ангрен бир вақтлар Ўзбекистон «кочегарка» (оловхона)си деб ном олганди.* Газетадан.

КОШИН [*ф.* کاشی – кафель, кошин] **1** Чиннига ўхшатиб ишланган, ялтироқ, нақшли ғишт плиткаси. *Деҳлида масжид ва мезаналар керагидан ортиқча. Ҳалларини, кошинларини, нақшларини қаердадир кўргандаймиз.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

2 Бир-бирига зич қилиб ёпиштирилган ранг-баранг шиша, мармар, тош, ёғоч ва ш. к. дан ясалган сурат ёки нақш. *У мадрасалар ички-ташқи кенг саҳнга, баланд ва мустаҳкам деворга, ҳашаматли тоқ-равоқ ва гулдасталарга эга бўлиб, баъзиларининг пештоқлари, гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошинлар билан безатилган бўлар эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

КОШИНКОР [*ф.* کاشیکار – кошин қопловчи; кошин билан безатилган] **1** Кошин ишловчи, биноларни кошин билан безатувчи уста. *Машҳур кошинкор.* ▬ *..у* [*Абдулла Болтаев*] *машҳур наққош, кошинкор, этнограф сифатида танилди.* Газетадан.

2 Кошин ишланган, кошин билан безатилган. *Шу икки уйнинг орасига ўтирган (ўрнашган) кошинкор ва нақшин чорхари айвон бу ҳовлининг биринчи мартаба кўзга чалинадиган ортиқликларидандир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КОШИНКОРЛИК Кошин пишириш, тайёрлаш ва биноларни кошин билан безатиш иши, касби.

КОШИНЛИ *айн.* **кошинкор 2.** *Тузиб ҳар мадраса кошинли порлоқ, Равоқу гумбазу гулдаста пештоқ.* Ҳабибий.

КОШИНПАЗ [*ф.* کاشیپز – кошин пиширувчи, тайёрловчи] Кошин пиширувчи, кошин тайёрловчи. *Аммо, сиз болаларим, ишнинг охирини ўз елкангизга олинг. Бундан буёғи – сирчиларга, кошинпазларга ёрдам қилиш, кўпи кетиб ози қолган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КОШКИ [*ф.* کاشکه < کاش – агарда, қани энди] *мод. с.* Сўзловчининг айтилаётган фикрга тарафдорлигини, шуни хоҳлашини билдиради, «қани энди», «қандай яхши бўлар эди» каби маъноларни ифодалайди. *Кошки у ҳам Йўлчига ҳамроҳлик қилган бўлса, у билан дардлашиб, ғамларига шерик бўлиб, овутиб, юпатиб, у билан бирга тепалар, жарлар ошса.* Ойбек, Танланган асарлар. *О кошки, булутсиз тиниқ осмонда учган қуш бўлсайдим.. Оддийгина қуш.* Х. Даврон, Қақнус.

КОШКИЙДИ с. *т.* (*тўғриси* **кошки эди**) *қ.* **кошки**. *Кошкийди, қизим, дадангсўзимга қулоқ соладигин эркак бўлса* [*деди онаси Гулнорга*]. Ойбек, Танланган асарлар.

КОШОНА [*ф.* کاشانه – кичик уй, тураржой; ин, уя] *кт.* Ҳашаматли, кўркам бино. *Сиз ишсиз, қашшоқ йигит, лекин саройларда, кошоналарда яшовчиларнинг, қорни тўқ ва ҳамёни тўлиқларнинг фикрига жўр бўляпсиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

КОЭФФИЦИЕНТ [*лот.* coefficiens, coefficientis – ёрдам берувчи] **1** *мат.* Бирор

математик ифоданинг ўзгармас ёки маълум кўпайтувчиси.

2 *физ.* Бирор физик хоссани миқдор жиҳатдан белгилайдиган кўпайтувчи. *Кенгайиш коэффициенти. Фойдали иш коэффициенти.*

3 Қанча энергия фойдали ишга айланишини кўрсатадиган миқдор. *Ҳозир бригада меҳнатда иштирок этиш коэффициентини жорий этмоқда.* Газетадан. *[Аҳмедов] Сувдан фойдаланиш коэффициентини ошириш йўлларини белгилади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

КОҲИН [*а.* كاهن – руҳоний; ғойибдан хабар беришни, фол очишни даъво қилувчи; сеҳргар] Бирор воқеа-ҳодисани олдиндан билиб хабар берувчи; ромчи; фолбин. *Ғойибдан хабар берувчилар икки турли бўладилар: биринчиси – вали, иккинчиси – коҳин.* С. Айний, Эсдаликлар. *Коҳинлар дам уриб қисмат фолидан, Кўп хомуш этдилар Акрисий шоҳни.* А. Исроилов.

КОҲИШ [*ф.* كاهش – камайтириш; пасайтириш] *эск. кт.* Ташвиш, дард-койиш. *Чиптанинг нима коҳиши тушиб қолди?* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Қочма ростгўй дўстларнинг коҳишу озоридан, Қадди рост шамнинг тилидан ўртанур парвона ҳам.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

КРАБ [*голл.* krab] Ўн оёқли денгиз қисқичбақаларининг бир тури (айримлари овқат сифатида ишлатилади).

КРАН I [*голл.* kraan] Газ ёки суюқликни қуйиш учун хизмат қиладиган жўмракли труба. *Товушингни эшитиб, болаларинг бирин-кетин уйдан чиқишади. Бири чопқиллаб келиб, очиқ қолган кран жўмрагини бурайди.* Газетадан.

КРАН II [*нем.* Kran] *тех.* Оғир юкларни кўтарадиган ва бир жойдан иккинчи жойга кўчирадиган механизм. *Кўтарма кран. Кўчма кран.* ▬ *Жўрабек кран тепасидаги прожектор ёритиб турган ғишт уюми олдида тўхтаб, папирос тутатди.* С. Аҳмад, Хотин.

КРАНЧИ Кранда ишловчи. *..омилкор кранчилар, ташаббускор экскаваторчилар.. куйиб-пишиб ишламоқдалар.* Газетадан.

КРАСКА [*р.* красить – «бўямоқ, беза(т)моқ» фл. дан ясалган от] *айн.* **бўёқ 1.**

КРАТЕР [*юн.* krater – катта товоқ, коса] *геол.* Тоғорасимон ёки воронка кўринишида ҳосил бўлган ботиқ, чуқурлик, мас., вулканнинг лава отилиб чиқадиган оғзи. *Дадашев кратер атрофини айланиб чиқди.* И. Раҳим, Тақдир.

КРАХМАЛ [*нем.* Kraftmehl < Kraft – куч, энергия, қувват + Mehl – ғалла уни] Кўпчилик ўсимликларда фотосинтез натижасида ҳосил бўладиган углевод; баъзи ўсимликлардан олинадиган таъмсиз оқ порошок; оҳор (озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик саноатларида ишлатилади). *Чит тўқилгандан кейин оҳор берилади. Бунинг учун кўп миқдорда крахмал керак.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Каштаннинг таркибида крахмал, оқсил, ёғ ва бошқа моддалар.. бор.* «Фан ва турмуш».

КРАХМАЛЛАМОҚ Крахмал бермоқ, крахмалли сувга солмоқ. *Рўзғор учун зарур бўлган айрим буюмларни крахмаллаш ҳам фойдали.* «Саодат».

КРЕ́ДИТ [*лот.* credit – у ишонади] *бухг.* Кирим-чиқим дафтарларининг чиқимлар, унадиган пуллар ёзиладиган ўнг томони; *зид.* **дебет**. *-Бухгалтериянинг дебет-кредити учма-уч бўлиши керак, – деди Очил.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

КРЕДИ́Т [*лот.* creditum – қарз < credere – ишонмоқ] Фойда қайтариш шарти билан, вақтинча фойдаланиш учун пул ёки моддий маблағлар бериш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими; шахс ёки муассасанинг ўзига тегишли пулларни ҳисоблаб қўйиладиган счёти; қарз, насия, кредит; маблағ, чиқарилган пул. *Ўтган йилдан товарларни кредитга бериш шакли кенг тараққий этди.* Газетадан. *Шу туфайли корхона жуда катта миқдорда жарима тўлар, маблағларнинг асосий қисми кредитдан фойдаланганлик учун сарфланарди.* Газетадан.

Кредит билетлари Кредит муомалаларида олтин ёки қоғоз пуллар ўрнида ишлатиладиган тўлов воситалари (банкнот, чек, вексель ва ш. к.) **Кредит карточкаси** Банк ёки кредит муассасаси томонидан бериладиган ва пластик карточка кўринишидаги шахсий (эгасининг номи ёзилган) тўлов ҳисоб-китоб ҳужжати.

КРЕДИТОР [*лот.* creditor – қарз берувчи] Мол ёки пулни насияга, қарзга берган муассаса ёки шахс; *зид.* **дебитор**.

КРЕЙСЕР [*голл.* kruiser – денгиз сайёҳи] Кучли артиллерия, ракета, торпеда ва ми-

налар билан қуроллантирилган тезюрар катта ҳарбий кема. *Қутб музликларига швед ва француз крейсерлари йўл олди.* «Фан ва турмуш».

КРЕКИНГ [*ингл.* cracking – парчаланиш, ажралиш] *тех.* Нефть ва унинг таркибий қисмларини улардаги мураккаб углеводород молекулаларини юқори ҳарорат ва босим ёрдамида парчалашга асосланган қайта ишлаш жараёни.

КРЕМ [*фр.* creme] **1** Қанд, қаймоқ, мева шираси ва ш. к. қўшиб тайёрланган нишолдасимон ширинлик (кўпинча торт, пирожний каби кондитер маҳсулотларини безаш учун ишлатилади).

2 Косметик пардоз мойи; ёғупа. *Неча-неча шофёрлар унга атир, упа.. крем келтириб, совға қилмоқчи бўлардилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Чармдан қилинган оёқ кийимларига суркаб, пардозлаш учун ишлатиладиган махсус мой; этик мойи. *Қора крем. Жигарранг крем.* ▬ *Этигимнинг креми қаерда?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КРЕМАТОРИЯ [*лот.* crematorium < cremare – ёқмоқ] Кремация қилинадиган бино ёки печь.

КРЕМАЦИЯ [*лот.* cremare – ёқмоқ, куйдирмоқ] Жасадни юқори температурали махсус печда куйдириш. *Марҳумнинг [Нерунинг] жасади Ражастхонда кремация қилинади.* Газетадан.

КРЕМЛЬ [*р.* кремль – шаҳар ичидаги қалъа] Қадимги Русь шаҳарларида: шаҳарнинг ички қалъаси. *Москва Кремли. Қозон шаҳри кремли.*

КРЕМНИЙ [*юн.* kremnos – чўққи, қоя] Кварц, чақмоқтош каби тоғ жинслари таркибига кирувчи, Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб тўқ кулранг кимёвий элемент. *Ер пўстида кислород, кремний, магний элементлари кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

КРЕОЛЛАР [*фр.* creole < *исп.* criollo – барпо қилмоқ] **1** Лотин Америкасига дастлаб кўчиб келган испан ва португалларнинг авлодлари.

2 Мазкур ҳудуддаги инглиз, голланд ва француз мустамлакаларида африкалик қулларнинг авлодлари.

3 Африка мамлакатларида африкаликларнинг тубжойли бўлмаган, келгинди халқ вакиллари билан бўлган никоҳларидан туғилган авлодлар.

КРЕП [*фр.* crepe] Ипак, жун ёки оддий ипдан юзаси ғадир-будир қилиб махсус тайёрланадиган газлама.

КРЕПДЕШИН [*фр.* crepe de Chine – Чин (Хитой) крепи] Пишиқ, юпқа шоҳи газлама. *Нигоранинг эгнида оппоқ крепдешин кўйлак.* С. Анорбоев, Оқсой.

КРЕПОСТНИК [*р.*] *тар.* Крепостной ҳуқуқ тарафдори, крепостной ҳуқуқни ҳимоя қилувчи реакционер, помешчик; крепостнойчи.

КРЕПОСТНОЙ [*р.*] *сфт.* Помешчикларнинг ўзига қарашли деҳқонларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгалик қилишига асосланган. *Крепостной тузум. Крепостной хўжалик.*

Крепостной ҳуқуқ *тар.* Помешчикларнинг ўзларига қарашли деҳқонларга, уларнинг мол-мулкига, меҳнатига чексиз эгалик қилиш ҳуқуқи.

2 *от* Крепостнойлик тузуми асосида помешчикка қарам бўлган шахс. *Крепостнойлар қўзғолони.*

КРЕПОСТНОЙЛИК *тар.* **1** Крепостной ҳуқуққа асосланган тузум. *Крепостнойлик даври.*

2 Шу тузумга хос ижтимоий муносабатлар. *Крепостнойлик хўжалиги. Крепостнойлик меҳнати.*

КРЕПОСТНОЙЧИ *айн.* **крепостник**.

КРЕСЛО [*қад. р.* кресло – ҳайвонни сўйиш учун тўшалган нарса; кейинчалик: кенг ўтирғич, ўриндиқ] Тирсакларни қўйиб, суяниб ўтириладиган кенг курси. *Смирнов Погодинни креслога таклиф қилдию, ўзи ҳам унинг ёнига стул келтириб ўтирғач, гапнинг олдини олиб, сўз қотди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Машариф Қориев билан Ёқутой раиснинг рўбарўсидаги креслога ўтиришди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КРЕСТ [*қад. р.* крест – дастлаб: Христос (Исо); кейинчалик: хочга тортиш; чўқинтириш] Христиан динида топиниш, сиғиниш рамзи ва предмети; бут, хоч, салиб.

2 Ўзаро кесишган икки чизиқ, лента ва ш. к. *Ўкириб келаётган, қизил крести бор оқ машина унинг рўпарасида чийиллаб тўхтади.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

Халқаро Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамияти Уруш ёки табиий офатлардан за-

рар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун тузилган кўнгилли жамият.

КРЕСТГУЛЛИЛАР Уруғи икки паллали, гулбарглари крест шаклида жойлашган ўсимликлар (мас. карам, турп, хантал).

КРИЗ [*фр.* crise – хуруж] Бемор аҳволининг тўсатдан оғирлашиб қолиши (мавжуд касаллик заминида юзага келади).

КРИЗИС [*юн.* krisis – ҳал қилиш; бурилиш нуқтаси; оқибат] **1** Бирдан, тўсатдан юз берган ўзгариш, танг ва мушкул аҳвол; танглик. *Искандар руҳий кризисни бошидан кечираётганида, Ашур унга энг маккор, ҳийлакор, ёвуз одам бўлиб туюлди.* «ЎТА». *Ишсизлик ва уй-жой кризисидан миллион-миллион бошпанасиз америкаликлар азоб чекмоқда.* Газетадан.

Сиёсий кризис Халқ оммасининг умумий аҳвол ва ҳукумат сиёсатидан қатъий норозилиги орқасида мамлакатда вужудга келган танг сиёсий ҳолат. **Ҳукумат кризиси** Эски ҳукуматнинг истеъфо бериши ҳал этилган, аммо ҳали янги ҳукумат тузилмаган давр.

2 *тиб.* Касалликнинг кескин ўзгариши, касалнинг энг оғир аҳволдан тузалишга томон ўзгариш пайти. *..иситманинг тартибли суратда пасайиб боришида асосан икки ҳол мавжуд. Бундан бири «лизис», иккинчиси «кризис» деб аталади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

3 *иқт.* Низонинг кескин шакли бўлиб, мақсад ва маблағ, тактика ва стратегиянинг қарама-қаршилигини, қимматли қоғозларнинг қайта баҳоланишини акс эттиради.

КРИМИНАЛИСТ Криминалистика мутахассиси. *Оқилов ҳодиса рўй берган жойнинг фотосхемасини олишга уринаётган криминалист ходим ёнига келди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

КРИМИНАЛИСТИК Криминалистикага оид. *Криминалистик текшириш. Криминалистик экспертиза.*

КРИМИНАЛИСТИКА [*лот.* criminalis – жиноятга доир, алоқадор] Жиноий ишларни текшириш методларини ўрганадиган, жиноятни очиш усул ва воситаларини тадқиқ этадиган фан. *Ҳозирги кунда илмий-техникавий аппарат ходимлари – замонавий криминалистиканинг техник воситалари билан қуролланган юқори малакали ходимлар..* Газетадан.

КРИМИНОЛОГИЯ [*лот.* crimen, criminis – жиноят + *юн.* logos – таълимот] Жиноятчилик сабаблари ва шароитларини ўрганадиган, унга қарши кураш ва олдини олиш усуллари ҳақидаги фан.

КРИОТЕРАПИЯ [*юн.* kryos – совуқ; муз + терапия] Совуқ билан даволаш: яллиғланиш жароёнларида, қон кетишда оғриқни камайтириш, шишни йўқотиш ва б. ҳолатларда бирор аъзони, тўқималарни мўътадил (музлаб қолмайдиган) даражада совитиш.

КРИПТОГРАММА [*юн.* kryptos – яширин, махфий + gramma – ҳарф, ёзув] Криптография усулида тайёрланган хат ёки ҳужжат.

КРИПТОГРАФИЯ [*юн.* kryptos – яширин, махфий + grapho – ёзаман] Хабардорларгина биладиган махфий ёзув усули, махфий ёзув.

КРИПТОН [*юн.* kryptos – яширин, махфий] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; инерт газ.

КРИСТАЛИК Кристаллардан иборат, кристаллардан таркиб топган, кристалл тузилишга эга бўлган. *Кристалик жинслар. Кристалик шакллар.*

КРИСТАЛЛ [*юн.* kristallos – тоғ биллури; муз] Заррача (атом, ион ёки молекула)лари муайян даврий такрорланувчи тартибда жойлашиб, фазовий кристалик панжара ҳосил қилувчи қаттиқ жисм. *Муз кристаллари. Туз кристаллари.* ▬ *Бор моддаси кристалларининг ажойиб мустаҳкамлиги маълум бўлди.* «Фан ва турмуш».

КРИСТАЛЛАНМОҚ Кристаллга айланмоқ, кристалл шаклига кирмоқ. *Кристалланган модда.* ▬ *Агар фосфогипсда фосфат кислота кўп бўлса, кристалланиш жараёни шу қадар бузиладики, натижада куйдирилган гипс яроқсиз ҳолга келади.* «Фан ва турмуш».

КРИСТАЛЛИЗАЦИЯ, кристалланиш Суюқланма, эритма ёки газ ҳолатидан, аморф ёки бошқа кристалик ҳолатдан кристалларнинг ҳосил бўлиши ва ўсиши.

КРИТЕРИЙ [*юн.* kriterion – фикрлаш, ечиш воситаси] Бирор нарсани баҳолаш, таърифлаш ёки таснифлаш учун асос бўла оладиган белги; баҳолаш мезони. *Бу текширишлар натижасида «Магматик комплекслар таркибидаги маъдан бойлигининг*

петрологик-геохимик критерийси» монографияси майдонга келди. С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

КРОВАТЬ *айн.* **каравот.**

КРОНА [*нем.* Krone] Чехия, Словенияда, шунингдек, Скандинавия, Болтиқбўйи мамлакатларида асосий пул бирлиги. *Лойиҳанинг тахминий баҳоси 3,5 миллион швед кронасига тўғри келди.* Газетадан.

КРОНШТЕЙН [*нем.* Kragstein] Больтлар ёрдамида девор, устун ва ш. к. га маҳкамланадиган осма ускуна.

КРОСС [*ингл.* cross – кесиб ўтмоқ] *спрт.* Паст-баланд, йўлсиз, умуман, турли табиий тўсиқлари бўлган жойда бўладиган пойга, югуриш ёки бирор нарсани тез юргизиш мусобақаси. *Мотоциклчилар кросси. Чанғичилар кросси. Беш километрга югуриш кросси.*

КРОССВОРД [*ингл.* cross-word < cross – кесишма + word – сўз] Катакларни ҳарфлар билан тўлдириб, шу катакларга яширилган, изланаётган сўзни топиш ўйини; бошқотирма.

КРОТ [*р., укр.* крот] Ер қазиб, ер остида яшовчи, ҳашаротхўр сутэмизувчи ҳайвон. *Кротлар яхши кўрмайди, баъзи бирларининг кўзи тери билан қопланган.* «ЎзМЭ».

КРУЖКА [*нем.* Kruse < *юн.* krossus – кўза(ча)] Металл, чинни ёки пластмассадан ясалган, стакан шаклидаги дастали идиш. *Алюминий кружка. Бир кружка сув.* ■ *Биринчисига қўзиқорин солинган картошка шўрва, иккинчисига эзилган картошка билан бир бурдадан гўшт, учинчисига бир кружкадан сут тарқатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КРУЖОК [*р.* кружок – айланача, тўгарак] Шахсларнинг бирор ҳунар ва ш. к. бўйича биргаликда машғулот олиб борадиган уюшмаси (*яна қ.* **тўгарак**). *Матлуба эса донадона қилиб, инглиз тилини мактабда ўқиб, кружокка қатнаб ўрганаётганини айтди.* «Муштум».

КРУЗЕЙРО [*порт.* cruzeiro] Бразилиянинг асосий пул бирлиги номи.

КРУПА [*укр.* крупа – увоқ, бурда; дўл] Пўсти тозаланган, оқланган дон; ёрма. *Сўк (тариқ) крупаси. Манний крупа. Арпа крупаси.*

КСЕНОН [*юн.* xenos– ёт, бегона] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; инерт газ (нурланувчи лампаларда ишлатилади).

КСЕНОФОБИЯ [*юн.* xenos – ёт, бегона + phobos – қўрқиш, қўрқинч] **1** Бегона одамлардан қўрқиб қолиш, ҳар доим қўрқиб юриш.

2 Ҳар қандай чет, ўзиники бўлмаган, ажнабий нарса (турмуш тарзи, ғоя-фикр, дунёқараш ва б.)га душманлик, қаршилик. *Муаллифларнинг.. бошқа халқларнинг кўп асрли анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган нохуш фактлар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўринишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.* Газетадан.

КСЕРОГРАФИЯ [*юн.* xeros – қуруқ; ҳўл бўлмаган + grapho – ёзаман] Турли тасвирлар (матнлар, ҳужжатлар)дан электрофотография йўли билан нусха (ксерокопия) олиш усулларидан бири.

КСЕРОКОПИЯ [ксерокс + копия] Ксерокс ёрдамида олинадиган тасвир, нусха.

КСЕРОКС [*юн.* xeros – қуруқ; ҳўл бўлмаган] **1** Ксерографик электрофототасвир аппарати.

2 Шу аппарат ёрдамида олинган тасвир, нусха; ксерокопия.

КСИЛОГРАФИЯ [*юн.* xylon – кесилган дарахт; ёғоч, тахта + grapho – ёзаман] Ёғоч гравюрасининг қадимдан кенг тарқалган тури; шундай гравюрадан босма усулда олинган тасвир, расм.

КУБ I [*юн.* kybos] **1** Ҳамма томони тенг квадратдан иборат олти ёқли геометрик шакл; шундай шаклдаги нарса.

2 *мат.* Бирор соннинг ёки алгебраик ифоданинг учинчи даражаси, ўз-ўзига уч марта кўпайтмаси. *3 сонининг куби 27 бўлади.*

3 *с. т.* Бир куб метрга тенг ҳажм ўлчови бирлиги; кубометр. *Икки куб тахта.* ■ *Сўнгги 20 йил мобайнида Орол денгизи сатҳи 8 марта пасайиб, сув ҳажми 393 куб километрга камайди.* «Фан ва турмуш».

КУБ II [*р.* куб – катта тоғора, идиш < *юн.* kybos – идиш, коса] Суюқликларни ҳайдаш, қайнатиш ёки сақлаш учун ишлатиладиган цилиндр шаклидаги катта ёпиқ идиш.

КУБАНКА [< Шимолий Кавказдаги Кубан дарёси номидан] Тепаси ясси, қулоқчинсиз, одатда қоракўлдан қилинадиган пастак телпак. *Ўтаётган колонналар, солдатлар, командирлар кулранг шинель, ку-*

банка кийиб олган қизил юзли, қора кўзли, ўрта бўйли қиздан кўз узолмас эдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КУБАТУРА [*р.* < «куб» сўзидан] Бирор нарсанинг кубометр ҳисобидаги ҳажми. *Хонанинг кубатураси.* ▬ *Жўжахонага, унинг кубатураси эътиборга олиниб, соф ҳаво берилади.* «Ўзбекистон паррандачилиги».

КУБИЗМ Ғарбий Европа тасвирий санъатида 20-аср бошларида юзага келган, нарсаларни содда геометрик шакллар (шар, конус, куб кабилар) комбинацияси тарзида тасвирлашдан иборат модернистик оқим.

КУБИК [*р.* < «куб» сўзидан] **1 Куб** с. кичр. шакли.

2 Ҳар бир ёғида расм бўлаклари, ҳарф ва ш. к. тасвири бўлган, маълум тартибда терилганда, бир бутун тасвир, сўз ва ш. к. ҳосил бўладиган, куб шаклидаги ёғочлардан иборат болалар ўйини.

3 *с. т.* Бир куб сантиметрга тенг ҳажм ўлчови бирлиги. *Уч кубик глюкоза.*

КУБОК [*р.* «куб» с. кичр. *қ.* **куб** II] Спорт мусобақаларида: ғолиблар учун соврин сифатида бериладиган (одатда, қимматбаҳо нарсадан тайёрланадиган) ваза, идиш ва ш. к. *У [Бўри] ўз даврида турли мусобақаларда қатнашиб, кубоклар олган.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Улар [физкультурачилар] мамлакатимиздаги ва чет эллардаги стадионларда қўлга киритилган кубоклар ва эсдалик совринларини кўтариб олганлар.* Газетадан.

КУБОМЕТР [куб + метр] Ҳар томони бир метрдан бўлган, яъни бир куб метрга тенг ҳажм ўлчами. *Бир кубометр тахта. Ўн кубометр цемент. Юз кубометр сув.*

КУВ [*ф.* + *туркий* کوب – ёғоч тўқмоқ, болға; суюқлик солинадиган катта кўза] Сутни чайқатиб, ёғини олиш учун ишланган, цилиндр шаклидаги узун ёғоч идиш ва унинг учи йўғонлашган таёқсимон сопи. *Терар жирини кув ҳам сепарат, Бринзам бозорга бўлур рўпара.* С. Абдулла, Ҳаёт гулшани.

Кув пишмоқ Кувда қайта ишлаб, сутнинг ёғини олмоқ. *Майрам опа айвонда кув пишар эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

КУВА I Бўғзи сиқиқроқ узун сопол идиш (сув, сут ва ш. к. суюқликлар солиш учун ишлатилади). *Узум келди челак-челак, Саватларда иссиқ нон. Кувачада айрон тўла, Кўзаларда яхна чой.* Т. Тўла. *Ҳозир Дадаш бедаво кувасидан ачиган айронини тўкмай туролмаслигини билса-да, бари бир уйга қайтишади.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

КУВА II Косибчиликда чармни уриб текислаш, чўзиш ва ш. к. учун ишлатиладиган оғир темир асбоб. *Бурушган эски чармларни ҳўллаб, кунда устига қўйиб, кува билан текислашни жуда севар эдим.* Ойбек, Болалик.

КУВАЛАМОҚ Кува билан уриб текисламоқ, чўзмоқ. *Чармни куваламоқ.*

КУВРАК Чайнаганда касир-кусур қиладиган (бодринг, сапча ва ш. к. ҳақида). *Куврак олма.* ▬ *Комилжоннинг қовуни ҳам ширин, ҳам хушхўр чиқди. У шакарпалакнинг сал кувракроғини танлабди.* Ҳ. Иброҳимов, Ойдин кечада.

КУДУНГ [*ф.* کدنگ – ёғоч тўқмоқ, куракча; жўва] *махс.* Тўқилган матони уриб текислаш, силлиқлаш ва унга жило бериш учун ишлатиладиган тўқмоқсимон ёғоч асбоб ва шу асбоб ёрдамида қилинган пардоз. *Хотинчалиш бир йигит белидан ҳали кудунги бузилмаган саккизтепки атлас билан боғлаб қўйилган эди.* С. Аҳмад, Тўлқинлар.

КУДУНГГАР Кудунгловчи уста. *Кудунггарнинг минг ургани – босқончининг бир ургани.* Мақол.

КУДУНГЛАМОҚ *махс.* Кудунг билан пардозламоқ, жило бермоқ.

КУДУНГЧИ *айн.* **кудунггар**. *У [Искандаровнинг отаси] ҳали гула қўяр, ҳали кудунгчиларга қарашар, ҳали дўконга ўтириб, моки отарди.* Ё. Шукуров, Қасос.

КУДУРАТ [*а.* کدورت – хафалик, қайғуалам, дил ғашлик] *кт.* Кўнгил ғашлик, хафалик. *Келинг энди, бирпас тотув бўлиб, маҳрам гаплардан гапиришиб, кўнгилдаги кудуратларни ёзайлик.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

КУЁВ **1** Қизнинг эри (қизнинг ота-онаси, ака ва опасига нисбатан). *-Йўқ, ойи, ҳеч нима керак эмас, – яна мулойим гапирди қизи, – куёвингизни жўнатаман, деб чарчадим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фотиҳа ўқилиб, куёв қайин онага узр айтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Салимбойвачча илдамлик билан уларга югурди. Синглисидан аҳвол сўраб, куёвининг қўлини сиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Энди уйланадиган, уйланаётган ёки янги уйланган йигит (ўз қайлиғига, хотинига нисбатан). *Хонзода бегим ҳозир йигир-*

ма ёшдалар.. шу вақтгача муносиб куёв учрамай, доғда эдик. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сен ҳали денгизни кўрганинг йўқ, қизим! Худо хоҳласа, куёвинг билан бирга кўрасан.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Булар келин билан куёв бўлса керак.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Янги уйланган йигитга қариндош-уруғ ёки яқин кишиларининг мурожаат шакли. *Тўладан келган, хушфеъл Каримович ҳам дастлабки кундан бошлаб унга ёқиб қолган эди. -Куёв, ишлар қалай? — сўради у, столи устидаги ярқираб турган ойнада қизил қаламни ўйнаб.* Мирмуҳсин, Умид.

Ич куёв *қ.* **ичкуёв.**

КУЁВБОЛА Янги уйланган ёки уйланаётган йигитга нисбатан ҳазил-эркалаш маъносида қўлланади. *Шунақанги башанг кийинишадики, ҳай-ҳай, нақ куёвболами дейсиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

КУЁВЛИК Куёв ҳолати, куёв, куёвга хос бўлишлик. *Куёвликка маъқул кўрмаслик. Куёвлигини ҳурмат қилмоқ.* ▬ *Мен.. йўраш интизорлиги билан сандиқда сақлаб келган куёвлик сарполаримни кийдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУЁВНАВКАР Тўй маросимида куёв билан бирга бўлувчи жўралар. *Унинг нигоҳи куёвнавкарлар ичидан Тўра акани излаб топди.* «Ёшлик».

КУЗ 1 Ёз билан қиш ўртасидаги фасл, *Кеч куз. Кузга яқин.* ▬ *Шу орада яшаркан Бир бадавлат — бой хўроз, Роҳат умр кўраркан Кузу қишу баҳор, ёз.* З. Диёр. *Дераза олдидаги тол новдасидаги япроқлар куз шамолига бардош беролмай, узилиб, ерга тушарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *кўчма* Даврнинг, мас., киши ҳаётининг, умрнинг охирги дамлари. *Кимдир шошилиб жавоб қайтарди: -Бу гал унинг [душманнинг] кузи келади.* Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев. *Ахир ёшимиз кетяпти, умр баҳоримиз ўтиб, кузимиз яқинлашиб келяпти, Ҳаётхон!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУЗАК *с. т. айн.* **куз 1**. *Қизим, сен оламга келганинг чоғи Кузак ҳам баҳорга айланди чоғи.* У. Пўлкан, Бир баҳор достони. *Бизни ҳам чорларди кузакда терим, Гурпаклашиб юриб пахта терардик.* Э. Воҳидов.

КУЗАМОҚ I **1** Текис қилиб кесмоқ, қирқиб текисламоқ (ёлни, соқолни, мўйловни). *Тойнинг ёлини кузамоқ.* ▬ *Ота [Охунбобоев] унинг [Мустақимнинг] гапларини гоҳ панжалари билан чиройли кузалган соқолини тараб, гоҳ келишган мўйловининг учини ҳимариб, юзи-кўзи кулиб эшитди.* Й. Шамшаров, Улғайиш. *Эндигина қирқни ҳатлаган бу банда, чиройли кузалган қоп-қора соқолини демаса, ёшига нисбатан ёш кўринар эди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Дарахт ва буталарга манзарали тус бериш учун ортиқча шох-шаббаларини кесиб текисламоқ. *Талашув.. хиёбондаги хоразмча чўгирмага ўхшатиб кузалган пакана дарахтлар тагида ҳам давом этди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

КУЗАМОҚ II *шв.* Кетмоқ, жўнамоқ (бирор маросим, меҳмондорчиликдан сўнг). *Меҳмонлар анча кеч кузади.*

КУЗАТМОҚ 1 Кетаётган киши билан хайрлашиш учун бирор ергача бирга бормоқ, бирор ергача бориб, чиқиб, хайр-хўш қилмоқ; узатмоқ. *Меҳмонларни вокзалгача кузатиб чиқмоқ.* ▬ *Комил билан Бўронбек Зиёдиллани кузатиб қўйиш учун далага чиқишди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Адҳам шунча кузатиб қўяман деса ҳам, Каромат кўнмади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ичкарида Ўзбек ойим меҳмонларни кузатиб бўлиб, Кумуш билан онасидан ҳўппак олар [гина қилар] эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аваз уни мозористон четидаги йўлгача кузатиб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Билиш, аниқлаш мақсадида синчиклаб қарамоқ, кўздан кечирмоқ. *Қуёш тутилишини кузатмоқ.* ▬ *Эргаш минбарнинг панжарасини бармоқлари билан қисиб, кўзлари чақнаб, халқни кузатарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Краснов.. ҳарсиллаб-гурсиллаб, дарахтга чирмашди-да, теваракни кузатди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Юсуфжон.. Шомат қизиқнинг ўйинларини диққат билан кузатиб, ўрганади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 Зимдан қараб текшириб турмоқ, таъқиб қилмоқ. *Уларни четроқда илжайиб кузатиб турган чойхоначи, ҳеч воқеага тушунмай, юзига фотиҳа тортди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Душман қочган жой кузатиш жойи эканлиги аниқланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

4 Бирор нарсани (мақсадни) назарда тутмоқ; кўзда тутмоқ, кўзламоқ. *Агар Му-*

сулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб қилганда, золимларни ўртадан кўтариб, юртга осойиш берганда, унга ким нима дея олар эди? А. Қодирий Ўтган кунлар. *Кейиндан маълум бўлдики, бу Боқимирзонинг бу ерга келишдан кузатган муддаосига дахлдор экан.* А. Қаҳҳор, Мирзо. *Бомбалар кузатилган мўлжалга — газандалар тўпланган жойга тушар, ҳаммаёқни ларзага келтириб.. ёвни қийратарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КУЗАТИЛМОҚ 1 Кузатмоқ фл. мажҳ. н. *Меҳмонлар кузатилди. Кузатилган мақсад.*

2 Маълум бўлмоқ, кўзга ташланмоқ, билинмоқ. *Тепки касали билан ҳамма ёшдагилар ҳам оғриши кузатилади.* «Саодат». *Туркий туб феълларнинг **нг, н, л** ауслаутлиларига эътибор берилса, улар бир хил семантик-грамматик ифодага эга эканлиги кузатилади.* «ЎТА».

КУЗАТИШ 1 Кузатмоқ фл. ҳар. н. *Кузатиш керак.*

2 Текшириш, билишга қаратилган иш, ҳаракат. *Олим Фарғонани кезиш давомида илмий кузатишлар олиб борди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КУЗАТУВ *айн.* **кузатиш**. *Кузатув пункти. Кузатув ишлари.* ▬ *Дарвоқе, 18 метр баландликда — ижодиёт уйининг тепасида махсус барпо қилинган кузатув майдончаси ҳам болажонларни ўзига тортмоқда.* Газетадан. *Геологларнинг кенг миқёсда олиб борган кузатувлари туфайли бу ерларда талайгина конлар аниқланди ва ўзлаштирилди.* Газетадан.

КУЗАТУВЧАН Астойдил, берилиб кузатадиган.

КУЗАТУВЧАНЛИК Астойдил, берилиб кузатиш, шундай хусусият. *Ақлу мулоҳаза, кузатувчанлик якун ясамоққа етса, тасанно!* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

КУЗАТУВЧИ 1 Кузатмоқ фл. сфдш.

2 Кузатиб, текшириб, назорат қилиб турувчи; назоратчи. *Тест синовлари пайтида аудитория кузатувчиларига катта масъулият юкланади.* Газетадан. *Франция-Бразилия учрашуви олдидан мутахассис ва кузатувчиларнинг фикрлари турлича эди.* Газетадан.

КУЗГИ Кузга хос, кузда бўладиган. *Кузги ёмғир. Кузги мева. Кузги йиғим-терим. Кузги экинлар. Кузги шудгорлаш.* ▬ *Комилжон.. анчагина жойга кузги кўчатлар ўтқаздирган эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

КУЗИР, кузур [*р.* козырь < *пол.* kozyra — бадавлат, ўзига ишонган] **1** Карта ўйинида: бошқа хол, ранг-тусдаги карталардан устунликка эга бўлган ва бошқа холдаги карталарни боса оладиган карта. *Кузирни юрмоқ. Кузир билан босмоқ.*

2 *с. т. кўчма* Маълум жиҳатдан устунликка эга бўлган, ўз кучига, бойлигига ишонган одам; зўравон, дўкай. *Эркинлик ҳавас қилмас инсон йўқдир жаҳонда, Давлат йўққим, мустақил бўлмай деса кузири.* Б. Бойқобилов. *Асакалик машҳур қиморбоз Қулматқора «тўртол»чиларнинг «елкаси ерга тегмаган» кузури эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КУЗЛИК Кузга мўлжалланган, кузга хос; кузги.. *Кузлик кийим.* ▬ *Минглаб таноб ерлардаги кузлик буғдой музлаб қолди.* С. Сиёев, Аваз.

КУЗОВ [*р.* кузов < *тат.* қўзов — дарахт пўстлоғидан қилинган сават] Автомашинанинг одам ёки юк жойлашадиган қисми. *«ЗИС»нинг кузовида ўтирган раис ҳаммани кулдириб, тўсатдан Комила холани қучоқлаб олди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида. *Кузов тўла шағал билан Туямўйин тарафга кетаётган эдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КУЙ I **1** Маълум мусиқа асари, ашула, қўшиқ ҳосил қилувчи мусиқий товушлар бирлиги; оҳанг. *Қувноқ куй. Мунгли куй. Янги куй яратмоқ.* ▬ *Йўлчи бир нафас тараддудланиб, бошқа бир куйни чалди-да, кейин найни болага берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Мусиқа асарига ўхшаш оҳанг. *Чумчуқларнинг тинмай чириқ-чириқ сайрашлари ажойиб бир куй ҳосил этган.* С. Зуннунова, Янги директор.

КУЙ II *айн.* **кўй 2, 3.** *Ўн қадоқ жўхори туфайли шу куйга тушаман, деб Аваз сира ўйламаган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Ёр куйида адо бўлдим.* «Муродхон». *Бир оз ҳовурдан тушган Мўмин бўйнини эгиб, орқасига қайтди ва шу куйи судралиб бориб, қўлига кетмонини олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУЙДИ-ПИШДИ Ҳар бир ишга астойдил киришувчи; куйинчак. *У серғайрат, куйди-пишди, қизиққон, сержаҳл йигитлардан эди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Қарши даштини пахтазор, экинзор ва боғ-роғга айлантириш мумкинлигини.. асослаб берган куйди-пишди инсон Раҳматилла Алимов эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КУЙДИРГИ Одамга ҳайвонлардан юқадиган, тери, меъда-ичак ва ўпкага зарар етказадиган ўткир юқумли касаллик. *Қорамол, қўй ва эчкилар кўпинча куйдирги ҳамда оқсил касалликлари билан оғрийдилар.* О. Азизхўжаев, Эҳтиётлик шартлари. *У.. ўн йилча илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, куйдирги, бўғма, қутуриш каби даҳшатли касалликларга дунёда биринчи бўлиб даво топди.* «Фан ва турмуш».

Куйдирги чиқмоқ Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўз билдирган нарсанинг йўқ бўлиши, йўқлиги; шундай бўлиши ҳақидаги қарғиш маъноларини билдиради. *Аммо бахтига куйдирги чиққан эканми, худди шу кабинетга Жўрабеков момақалдироқдай гумбурлаб кириб келди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Менинг ўз отим бор! Ўз отимга куйдирги чиққан эмас!* А. Қаҳҳор, Оғриқ. *Ҳа, сени.. Тилингга куйдирги чиққур!!* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу сўзларни оғизга олганда, ҳали ҳам тилингизга куйдирги чиқмаган экан.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

КУЙИБ-ПИШИБ 1 Астойдил куйиниб. *Абдураҳмонбой куйиб-пишиб жавраётган домлага ачинган бўлди ва унга тасалли берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У студентларни жойлаштиргунча анча қийналган бўлса керак, чеҳраси ҳорғин, уст-боши чанг, куйиб-пишиб, қаттиқ гапирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Жон-жаҳди билан берилиб. *Кун бўйи куйиб-пишиб ишлаганидан тунлари донг қотиб ухлайди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Аллақаерда куйиб-пишиб бедана сайрайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Бу соддадил чолнинг куйиб-пишиб отини мақташидан атрофдагилар ҳам завқланиб кулишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КУЙИБ-ПИШМОҚ 1 Ортиқ даражада ташвишланмоқ, куйинмоқ. *Отам бўлса тушунолмай: -Ҳа, нима гап ўзи, нима бўлди? — деб куйиб-пишади бечора.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Игнани йўқотиб қўйган куни куйиб-пишган Тошматов директор кабинетига хомуш кириб келди.* «Муштум». *Чокар ҳазилга ўч йигит эди. Ҳаётдаги кўп ноҳақликларни кўрса-да, куйиб-пишавермас..* С. Сиёев, Аваз.

2 Жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқ, ишламоқ. *Мен шунча йилдан бери куйиб-пишсам ҳам, ҳеч қайсинг «Отангга раҳмат!» дегинг келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Биласизми, биров сизга катта ишни ишониб топширганидан кейин, куйиб-пишмасанг бўлмас экан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КУЙИК Куйган. *Черницов жангчи Азимов қўлидаги куйик нонга разм солди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Жувоз ичини кунжара, зах, куйик ёғ ҳиди тутиб, чироқнинг хира акси ўйнайди.* Н. Фозилов, Оқим.

КУЙИКМОҚ *биол.* Жинсий фаоллик даврига кирмоқ, «эрсирамоқ» (урғочи ҳайвонлар ҳақида). *Христианларнинг 7 ҳафталик рўзалари ҳайвонларнинг куйиккан вақтига тўғри келади.* Газетадан.

КУЙИНДИ Куйган нарса, куйиш натижасида ҳосил бўлган қолдиқ, куюк. *Қудрат.. шу ёқимли ҳид ичида қирмочнинг куйинди исини пайқамади ҳам.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Йўлнинг икки бетида илдизи билан қўпориб ташланган.. дарахтлар, куйинди ҳиди анқиб турган чакалакзор-бутазорлар.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

КУЙИНМОҚ 1 Қаттиқ ачинмоқ; ташвиш тортмоқ; хафа бўлмоқ. *Элмурод бадиий асарлар одамларнинг ташна дилларига нақадар роҳат бағишлаганини сезар, лекин бундай асарларнинг ўз тилимизда камлигидан куйинар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Э худо, шунча хор қилгунча, омонатингни олиб қўя қолсанг нима қилади-я! — деб куйинади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Аяш, ачиниш, ғамхўрлик билан қайғурмоқ. *-Вой ўлмасам, чиқ-а, чиқ вагонингга, юрагимни ёрдинг, — деди онаси куйиниб.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Низомжон урушда эри, ўғли ҳалок бўлган аёлларни кўрган. Уларга ич-ичидан куйинади.* С. Аҳмад, Уфқ.

КУЙИНЧАК Ҳар нарсага ҳам ачинаверадиган, қайғураверадиган, куйиб ташвишланаверадиган; астойдил ғамхўрлик қиладиган. *Содда, болалари учун куйинчак, қўни-қўшнилар, ақраболар билан ҳамиша хушмуомала аёл.* Ойбек, Навоий.

КУЙИНЧАКЛИК Куйиниш ҳисси, муносабати. *Сўнг.. ортиқча куйинчаклик қилаётганини пайқаб қолиб, энди ўзини мумкин қадар бемалол тутмоқчи бўлди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Халқ тўпланган вақтларда у аксари шундай куйинчаклик кўрсатар, қўлдан келганича меҳмондўстлик қилишга тиришар эди.* Ойбек, Навоий.

КУЙИТ *шв.* Дард, алам; айрилиқ, фироқ доғи. *Холанг ўғлининг куйитида адо бўлди.*

▬ *Умрининг ярми бўз отга боғланиб келган чавандоз Бўтабой полвоннинг дафн маросимидан кўп ўтмай, эгасининг куйитига чидай олмаган от жонивор ҳам жон таслим қилди.* Газетадан.

КУЙИШ *тиб.* Юқори ҳарорат, кимёвий моддалар, электр токи ва радиоактив нурлар таъсирида тўқималарнинг шикастланиши.

КУЙКА I Лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. *Дон ўғриси — юмронқозиқнинг шу қадар динг қулоғи ҳам уни ўткир кўз куйканинг ҳужумидан сақлаб қололмаган.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

КУЙКА II с. *т.* Исқирт, ифлос.

КУЙЛАМОҚ 1 *кт.* Қўшиқ ёки ашула айтмоқ. *Сувчи кезар шўх қўшиқ куйлаб.* Ғайратий. *Кимнингдир майин овоз билан куйлагани.. эшитилди.* «Гулдаста». *Баъзи вақт унинг қўшиғи Унсин қулоғига етади. Чол хаста овоз билан куйлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *поэт.* Мадҳ этмоқ; тараннум қилмоқ. *У севги ҳақида ўйлар экан ё сўйлар экан.. севгини куйлаб ўтган зотлар сиймоси кўз олдидан кетмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Муқаддас замон ҳаққи, ёқа тутиб айтаман, Қанийди, куйлайверсанг ҳамиша бахтни тўлиб.* А. Орипов, Юртим шамоли.

КУЙМАЛАНМОҚ Майда-чуйда ишлар билан ўралашмоқ, машғул бўлмоқ; ивирсимоқ. *Қайирма этигининг чангини қоқибқоқиб, айвон сари юрган эди, ўчоқбошида куймаланиб юрган онаси пешвоз чиқди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Айвонда.. куймаланиб ўтирган она қалин-қалин ясалган зоғора нонларни саватга терди-да, оёғига йиртиқ кавушини илиб, тандир бошига югурди.* Ойбек, Улуғ йўл.

КУЙМАНМОҚ *айн.* **куймаланмок.** *Турсун хола уйда.. беташвиш, майда-чуйда иш билан куйманиб ўтирарди.* Ҳ. Нурий, Лочин боласи — лочин.

КУЙМОҚ 1 Аланга чиқармай ёнмоқ. *Тутаб куяётган от эти ва терисининг қўланса ҳидидан унинг кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Умуман, ўт-олов олмоқ; ёнмоқ; ёниб ишдан чиқмоқ. *Халқ азиз фарзандларининг хунини ундан талаб қилади; бурнини ерга ишқаб, вайрон бўлган шаҳарларини, куйиб кул бўлган қишлоқларини тиклаб беришга мажбур қилади.* А. Қаҳҳор, Иккининг бири.

3 Ортиқ даражада қизиб (эриб), ишдан чиқмоқ (электр асбоблар ҳақида). *Лампочка куйиб қолди. Дазмол куйиб қолибди.*

4 Ортиқ даражада исиб-қизимоқ; ҳарорати кўтарилмоқ. *-О-о, офтобда қолибсизлар-ку? — деди у, халқнинг офтобда куйиб турганлигини энди кўргандай.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Август ойи жазирамаси — куйиб ёнар эди ҳамма ёқ.* Э. Раҳимов.

5 Ўт-олов ёки куйдирадиган нарса таъсирида зарарланмоқ, жароҳатланмоқ (тирик организм ҳақида). *Қайноқ сув тўкилиб, оёғи куймоқ. Олов сачраб, қўли куймоқ.*

6 Қуёш иссиғи таъсирида қуриб-қовжираб кетмоқ, нобуд бўлмоқ (ўсимликлар ҳақида). *Яна бир йили қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, экинлар куйиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 *кўчма* Бекор бўлмоқ, беҳуда кетмоқ; ажраб қолмоқ. *Меҳнатингиз куймайди. Унмайди ҳам, куймайди ҳам.* Матал. ▬ *Болтабой, икки кун ишлаб, дарров табелчидан шикоят қилаётибди, деб ўйлади шекилли, унга [Сидиқжонга] тик қараб: -Нима қилди? Ҳеч кимнинг ҳақи куймайди! — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бечора хотинлар бўлса, эрларидан бекитиб юрган пулларини даъво қилолмай, дамлари ичларига тушиб, куйиб қола берадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

8 *кўчма* Бирон кимса ёки нарсадан зарар-зиён кўрмоқ, ёлчимай азият чекмоқ. *Бу одамга қандай вазифа беришни ўзларингга ҳавола қиламиз, лекин ҳосилот кенгашига раис қилсаларинг, куймайсизлар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тўлаган ҳам кўп оғайниларидан куйган, кўпларидан аламзада экан.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *Кўнгли очиқ, содда йигит экансиз, мен ҳам эрдан куйганман.* М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат.

9 *с. т.* Харж бўлмоқ, пули кетмоқ. *Бунга сизнинг пулингиз куйибдими? Пули куйган қалампир чайнабди.* Мақол.

10 *кўчма* Алам қилмоқ, алам қилиб бўғилмоқ; қаттиқ хафа бўлмоқ, ғам-алам чекмоқ. *Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига куяман!* А. Қаҳҳор, Санъаткор. *Қўйинглар, чироқларим, сўраманглар. Бизнинг кўрганларимиз қурсин — эшитманглар ҳам, куйманглар ҳам.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Йўлчи ўғлим-*

нинг қони қутлуғ, уни юзга, кўзга суртиш керак, — чуқур хўрсиниб давом этди чол, — куйма, қизим [деди Унсинга]. Ойбек, Танланган асарлар.

11 *кўчма* Қайғурмоқ; ачинмоқ. *Мен кетдим, энди сенга ким куяди.. Она шундоқ бўлар экан!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Эшон туни билан ухламай, қуръон ўқийди. Ўз тақдири учун куяди, худога нола қилади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

12 Алам-изтироб чекмоқ. *Ёр ишқида куймоқ.* ▬ *Қошинг асли қорадир — ўсма қўйганинг ёлғон, Сенинг учун мен куйган — сенинг куйганинг ёлғон.* «Қўшиқлар». *Лутфинисо каби қадрдон бекасининг ўлимига куйган Ёрмат тўйни тезроқ ўтказиш хусусида оғиз очмай қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ичи куймоқ Бахиллик ёки рашк ҳисси билан хафа бўлмоқ, алам қилмоқ. *Яккахўжаликлар, ёш-яланг, аёллар ва болалар иш бошланган ерга бордилар. Қизиққанлар ҳам, ҳайрон бўлганлар ҳам, ваҳимага тушган ва ичи куйганлар ҳам эргашди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Оёғи куйган товуқдек** *қ.* **оёқ**. **Охирати куймоқ** *дин.* Гуноҳкор бўлмоқ, дўзахга тушмоқ. **Оғзи куймоқ** *қ.* **оғиз. Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам** *қ.* **сих**. **Уйи куймоқ** Катта, жиддий зарар кўрмоқ, хонавайрон бўлмоқ. *[Юсуфбек ҳожи:].. Азизбек бу кун сизларга яхшилигингизни ўттиз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди.. Уйинг куйди, мусулмонлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юраги куймоқ** 1) кучли даражада чанқамоқ. *Оқсоқол парво қилмай гапирди: -Бай-бай.. Юрак куйиб кетди. Қани, бир пиёла муздек сув олиб чиқинг-чи!* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ишқ ўтида ўртанмоқ. [*Тожибой Гулсумга:*] *Сени парвардигорим менинг учун яратган. Сенинг ишқингда юрагимнинг ярмиси куйиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУЙЧИ *кт.* **1** Ашула, қўшиқ айтиш билан шуғулланувчи шахс, ашулачи.

2 *кўчма* Санъатнинг бирор соҳасида шахс ёки нарсани улуғлаб тасвирловчи; ташвиқ қилувчи (шоир, ёзувчи, рассом ҳақида). *Адолат куйчиси.* ▬ *Шу хусусиятларнинг ўзиёқ шоирни суюкли ва ардоқли халқ куйчиси мартабасига кўтаради.* «ЎТА». *Ким у йиғлаётган, Навоиймикан Ва ё май куйчиси Хайёммикан, дод!* А. Орипов, Руҳим.

КУ(К)-КУ *тақл. с.* Какку, мусича каби қушларнинг сайрашидан чиқадиган товушга тақлидни билдиради.

КУК(К)УЛАМОҚ «Кук-ку, кук-ку» («ку-ку») деган овоз чиқармоқ. *Белимда пул, бошимда савағичдан тўқилган катта қафасда куккулаб турган бир жуфт қумри.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Меҳмонхона пештоқида мусича кукулади.* С. Аҳмад, Саҳарларда.

КУКУН Қаттиқ жисмнинг майдаланган зарралари; толқон, порошок. *Қўрғошин кукуни. Кўмир кукуни.* ▬ *Раҳмонқулов оҳак кукуни ачитган ялтироқ бошини тинмай артиб, ким биландир гаплашиб турарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

КУКУНЛАМОҚ Кукун ҳолига келтирмоқ, кукун ҳосил қилмоқ. *Сувоқ учун қўлланадиган аралашма тайёрлашнинг технологик жараёни майдаловчи ва қориштирувчи қурилмали агрегатларда фосфогипс билан оҳакни бир вақтда қориштириш ва кукунлашдан иборат.* «Фан ва турмуш».

КУЛ Бирор нарсанинг ёниб-куйишидан ҳосил бўладиган оқиш-қора ёки кўкиш чангсимон минерал қолдиқ. *Тошкўмирнинг кули.* ▬ *Ўчоқдаги ўтни секин-секин кул босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Солиҳ чекаётган сигаретасининг кулини қоқар экан, узилиб қолган гапини давом эттирди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

КУЛАЛА [*ф.* کلاله — жингалак соч] *:* **кулала бўлиб ётмоқ** Оёқ-қўлини йиғиштириб, ғужанак бўлиб ётмоқ. *Иккинчи супада бўлса, бағрини бир умр ёнбошдан кўтармасдан, бир тўда латта-путталар орасида кулала бўлиб, ҳикоямизнинг қаҳрамони Мамажон ётар экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

КУЛАНКИР [*ф.* کلنگ — турна] Товуқхўрознинг йирик ва зотли бир тури. *Ҳовлидаги катта жийда шохида ётган куланкир хўроз учинчи бор қичқираётганда, Қутоёқ бирдан вовуллаб, эшикка ташланди.* А. Муҳитдин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

КУЛАҒОН Жуда кўп куладиган. *Кулағон бола.*

КУЛБА [*ф.* کلبه — қоронғи, тор уйча; ҳужра**]** Кичик, кўримсиз, бечораҳол уй; бошпана. *Камбағал деҳқонларнинг кулбасидан фарқ қилмайдиган бу уй ана, рўпарада шумшайиб турибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ойдинли қиш кечаси шундай гўзал, шундай улуғворки, ҳатто хизматкорларнинг хароб кул-*

баси ҳам.. аллақандай бежирим манзара ясайди. Ойбек, Танланган асарлар.

КУЛГИ 1 Хурсандлик, вақтичоғлик ва завқланишни ифодаловчи, бўлиниб-бўлиниб чиқадиган товушлар, овозлар. *Самимий кулги. Залда кулги кўтарилди.* ▬ *Сидиқжон кимнингдир қаттиқ кулгисидан уйғониб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қоғози кўчган деворлар, тоза бўлса ҳам, эскириб кетган дарпарда, сарғайган чойгумни кўриб, қаноат ҳосил қилди, шекилли, яна кўзларида кулги ўйнади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Мазах ёки калака қилинадиган нарса; калака, мазах ифодаси; масхара. *Бу ўринсиз ишдан Офтоб ойим аччиқланди: -Маним ҳолим сенга кулгими, қизим?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *«Биронтасини чақирсам, кейин, албатта, масхара қилишади, кулги, мазах учун уларга баҳона топилади», деб ўйлади Гулнор.* Ойбек, Танланган асарлар.

КУЛГИЛИ 1 Кулги қўзғатадиган, кулдирадиган; қизиқ. *Гўё зеҳни боягидан ҳам ўткирлашиб, тили бийронлашиб кетгандай, шўх, кулгили гаплар хаёлига ўзидан-ўзи қуйилиб келарди.* О. Ёқубов, Мирзатерак.

2 Масхара ёки калака бўладиган. *Уларнинг [Элмурод билан Гулсумнинг] усти-бошлари батамом ивиди. Шундай кулгили бир ҳолда гузарга кириб бормаслик учун, қишлоқ четидаги эски бир эгасиз уйнинг айвонида ёмғирнинг тўхташини кутдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУЛГИЛИК: кулгиликка олмоқ Жиддий гапни ҳазилга бурмоқ, айлантирмоқ. *Иккиланиб берилган бу жавобдан Ҳомид билан Раҳмат бир-бирларига қарашиб олдилар. Отабек бу ҳолатни сезди ва ўзининг сўзини кулгиликка олиб, изоҳ берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КУЛГИЧ *айн.* **кулдиргич.** *Унинг расо бўйбасти, қуралай кўзлари, ўнг бетидаги кулгичи.. кўз ўнгидан ўтди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Гавҳар анча тўлишиб, чиройли бўлиб кетган, қуюқ киприклари орасига яширинган кўзлари ўтдай порлар, нимранг ёноқларида кулгичлар ўйнарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КУЛДИРГИЧ Киши юзида (ёноқларида) бўладиган, кулганда аниқ кўринадиган чуқурчалар. *Малоҳат Каримованинг юзларига қизил югурди, юзидаги кулдиргичлар ҳуснига ҳусн қўшди, кўзлари чароқлаб кетди.* Ойдин, Асл ёр. *Назокат уялганидан ерга қаради, ўнг юзидаги кулдиргичини шамол тўзғитган сочлари тўсди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Кулча юзларида чуқур-чуқур кулдиргичлари бўлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КУЛДОН Чекилаётган папирос ёки махорканинг кулини ва қолдиғини ташлаш учун ишланган махсус идиш. *[Генерал] Стол ёнига келиб, папирос қолдиғини кулдонга ташлади.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *У чекиб турган сигаретасини кулдонга эзғилаб, Мадинанинг кекса тоғасига қаради.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

КУЛИ [*тамилча* — иш ҳақи] Ҳиндистон, Хитой каби баъзи мамлакатларда ҳаммол, юк ташувчи қора ишчи. *Фаллоҳлар, кулилар жаҳон орзусин Ифодаси бордир шеъримда.* Ғ. Ғулом. *Хитой кулилари, эрон дегани..* М. Шайхзода.

КУЛИШ 1 Кулмоқ фл. ҳар. н. *Кулиш керак.* ▬ *..мумкин қадар кўпроқ гапиришга, кулишга тиришар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *айн.* **кулги.** *Анвар кулди. Аммо бу кулиш бояги кулгиларидан тамоман бошқа, яъни беихтиёрлик кулгиси эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *У Сувонжоннинг орқага қарамасдан четан девордан ошиб туша бошлаганини кўргач, кулишдан тўхтаб, кетидан чопди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КУЛ-КУЛ *рвш.* Майда-майда, чил-чил, чилпарчин. *Пиёла қўлидан тушиб, кул-кул бўлди.* ▬ *Фирибгар немис-фашистларнинг «енгилмас» машинаси жангчи ўртоқларнинг пўлат иродасига тегиб, кул-кул бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

КУЛЛИЁТ I [*а.* كلّيات — тўлиқлик, бир бутунлик; умумий тушунча; факультет] Бир турдаги нарса (жузв) ларнинг тўплами, шеърий тўплам. *Аваз ирғиб туриб, токчадаги бир даста қоғозлар орасидан варақлари зарафшон қилинган катта куллиёт кўтариб келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Дарвоқе, мендан Шайх Саъдий куллиётини сўраган эдингиза? Ҳозир олиб чиқаман.* К. Яшин, Ҳамза.

КУЛЛИЁТ II *кам қўлл. айн.* **факультет**.

КУЛЛИК: куллик қилмоқ *айн.* **кулликламоқ.** *-Бу одамни куллик қилинг,— деди,— тўғрисини гапирмаган кишини калтак тўғри сўзлатади.* С. Айний, Қуллар.

КУЛЛИКЛАМОҚ Оёқ-қўлини бир-бирига чалкаштириб боғламоқ. *У [Аваз] қўйни қийналмай кулликлади.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Тузнинг ачитаётганидан жони азобда қолган совлиқ оёқлари остида ўралашаётган қўзини эмиздирмаса, оч-наҳор, кулликланган қўйи ётаверишини охири англади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

КУЛЛИКЧИ Куллик қилувчи, кулликловчи шахс. *Навбат энг кейинда бўлган кексароқ бандини боғлашга келганда, кулликчи йигит: -Чилвир қолмади, — деди.* С. Айний, Қуллар.

КУЛМОҚ 1 Юз, кўз ҳаракатлари ёки турлича товуш (товушлар) билан хурсандлигини, завқ-шавқини ифодаламоқ, кулги ифодаламоқ. *Хохолаб кулмоқ. Қаҳқаҳа уриб кулмоқ. Пиқ этиб кулмоқ. Ҳиринглаб кулмоқ. Мулойим кулмоқ. Мийиғида кулмоқ.* ▬ *Олдин Камолиддин махдум, унга эргашиб Асад қори ҳи-ҳилаб кулди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аваз, Феруз шаънига айтган бир байтини эслаб, муртида кулди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳафиз Мирзамуҳамедовичнинг кулиб турган чеҳраси жиддийлашди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳамон кулиб турган кўзлари билан уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Кулги билан масхараламоқ, мазах қилмоқ. *Ойи, сиз сезасизми, бойникида орқамдан кулишади, гапиришади, пичинг, кесатиқ-месатиқ.. ман яқинлашсам, жим бўлишади [деди Гулнор].* Ойбек, Танланган асарлар. *Қандоқ бораман.. кулмайдими ҳамма.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кулса кулаверсин, бари бир ўз фикримда қоламан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Бахти кулмоқ Бахт-омади юришмоқ, бахтли бўлмоқ. *Мингбошига тегмагани билан Зебихоннинг бахти кулармиди?* Чўлпон, Кеча ва кундуз. **Ичида кулмоқ** Ҳеч қандай ташқи ифодасиз кулиш ҳолатида бўлмоқ. *Қўчқор унинг хаёлидаги ўйларини билади ва ичида кулади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *-Ишқилиб, уйида бўлмасин-да, — дейди умид билан, сўнг ўзининг соддалигидан ичида кулади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Устидан кулмоқ** Масхарали муносабатда бўлмоқ, мазах билан кулмоқ. *Мен дўзахдан чўчимасман, устимдан кулма. Мен чидарман, аммо қайда ҳақиқат, имон?* А. Орипов, Жаннатга йўл.

КУЛОЛ [*ф.* کلال — кўзагар, кўза ва б. сопол буюмлар ясовчи] Лойдан турли сопол идишлар, буюмлар тайёрлайдиган ҳунарманд. *Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига.* Мақол. ▬ *Баъзан тандир вазифасини кулоллар ишлаган эски хумлар ҳам ўташи мумкин.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Олмача, аноррингга балли, сада райҳонингга балли, Тангрим, мани шўр лойдан ясаган кулолингга балли.* «Қўшиқлар».

КУЛОЛЛИК Кулол иши, касби; кулолчилик.

2 Кулоллар ишлайдиган жой. *Кулоллик орқали каппонга йўл солдим.* «Муштум».

КУЛОЛЧИЛИК 1 *айн.* **кулоллик**. *Кулолчиликка ҳавас қўймоқ. Ота-боболари кулолчилик билан шуғулланган.* ▬ *Маълумки, тандир кулолчилик бошланган даврларда келиб чиққан.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 Касб-ҳунарнинг лойдан турли идиш ва б. нарсалар ясаш билан боғлиқ соҳаси. *Қадим замонларда ҳам бу муҳим хомашё кулолчиликда, ғишт пиширишда ишлатилган.* Газетадан.

КУЛОНҒИЧ Жуда кўп куладиган, кулаверадиган, кулағон. *Ҳатто шундай самимий қаҳ-қаҳ ураманки, ҳар қандай кулонғич киши ҳам менинг қаршимда нафаси чиқмай қолади.* «Муштум».

КУЛОҲ [*ф.* کلاه — бош кийими, кулоҳ] Тепа томони ингичкалашиб чиққан қалпоқ, бош кийими (асосан, қаландар, дарвешлар киядиган учли қалпоқ). *Дўкон оғзида бошига кулоҳ кийган.. қаландар ҳадеб айланишиб, исириқдонини у ёқдан-бу ёққа силкитаверди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *-Бош устига, — деди кулоҳига оқ салла ўраган.. вазир таъзим қилиб.* М. Осим, Карвон йўлларида.

КУЛТЕПА Иморат, бино ва ш. к. нинг ёниши-куйишидан ҳосил бўлган баландлик, тепалик. *Жиззах исёнчилари куйиб култепа бўлган харобазорда ўзларига бошпана тиклай бошладилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *..атрофдаги дўкон ва расталарга ўт кетган бўлса керак, култепага айланган эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

КУЛУМСИМОҚ *айн.* **кулумсирамоқ**. *Моҳлар ойим кулумсиди: -Агар ўлмасам, шу дўндиқ қизимни бериб, Анварни ўзимга куёв қиламан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КУЛУМСИРАМОҚ Мийиғида кулмоқ, илжаймоқ, жилмаймоқ. *-Келинг, уста Қудрат, — деди Тешабой, ўтирган ерида мулойимгина кулумсираб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аҳмадга ўзининг ўхшатиши нашъа қилиб, кулумсираб қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

КУЛУНЧ *шв. айн.* **кулгили 2.** *Агар тасаввур қилганида, ҳозиргидек кулунч аҳволга тушиб қолишини кўрарди-ю, аллақачон ўтакаси ёрилиб ўларди [мингбоши].* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУЛФАТ [*а.* كلفت — зўриқиш, меҳнат] Қийнайдиган, азоб берадиган ҳолат; қийноқ, азоб-уқубат. *Бировга кулфат бермоқ. Бировнинг бошига кулфат солмоқ. Кулфат тортмоқ. Ҳамжиҳатлик — давлат, ёлғизлик — кулфат.* Мақол. *Донога иш — шону шуҳрат, нодонга иш — ғаму кулфат.* Мақол. ▬ *-Биз у кишининг дастидан ўз юртимиздан бегона бўлиб, жуда кўп кулфатлар тортганмиз, — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУЛФАТЛИ Ғам-аламли, азоб-уқубатли.

КУЛЧА [*ф.* كليچه — доирасимон ёғли нон; кулча] Тандирда ёпилган кичкина, думалоқ нон. *Эъзозхон эрини қўярда-қўймай кўрпачага ўтқазиб, дастурхон ёзди ва унга тўрттагина кулча билан бир-икки қисим қанд-қурс ташлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Кулча бўлмоқ Кулчага ўхшаб думалоқ бўлиб олмоқ. *Илон кулча бўлиб ётади.* ▬ *Сидиқжон шундай қаттиқ кулдики, бурчакда кулча бўлиб ётган мушук шошиб ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кулча юз** Кулчага ўхшаш думалоқ юз. *Хатни ўқиб, Абдураҳмоновнинг кулча юзига қон югурди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

КУЛЧАТОЙ Хамирни шапалоқ-шапалоқ қилиб кесиб, гўшт қайнатилган шўрвада пиширилган таом. *Қозоқлар мени меҳмонга чақирган куни гўштни қозонда қайнатиб пишириб, кулчатойга аралаштириб, катта ёғоч тоғорада ўртага қўйиб, хўп туширдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Адолат билан Тозагул лаганларда кулчатой, гўшт, сопол товоқларда шўрва олиб киришди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

КУЛЬМИНАЦИОН Энг юқори нуқтасига етган; авжига чиққан. *Кульминацион нуқта.*

КУЛЬМИНАЦИЯ [*лот.* culmen, culminis — тепа, чўққи] **1** *астр.* Ёритқичларнинг осмон меридианидан ўтиш пайти, ер сатҳига нисбатан энг тик, энг юқори нуқтага келиши.

2 Адабиёт ва санъатда: воқеа-ҳодисалар, конфликтлар ривожининг энг муҳим, энг кескинлашган пайти, қаҳрамонларнинг тўқнашуви ҳал қилинадиган, тугуннинг ечими бошланадиган лаҳза. *Ҳикоянинг кульминацияси.* ▬ *Боиси, ҳар бир асарда тугун, кульминация, ечим, тадрижийлик деган унсурлар бўлиши керак.* Газетадан.

3 Бирор нарсанинг ривожида энг юқори нуқта, энг юқори нуқтага кўтарилиш; авж. *Ишнинг кульминацияси.*

КУЛЬТИВАТОР [*фр.* cultivateur — ерга ишлов берувчи] Ҳайдалган ерни юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш ва экин қатор ораларини ишлаш учун хизмат қиладиган қишлоқ хўжалик машинаси. *Осма культиватор. Тиркама культиватор. Трактор культиватори. Ғўза қатор ораларига культиватор билан ишлов бермоқ.* ▬ *..механизаторлардан бири трактор культиваторига қатор ораларини кенг юмшатиб кетадиган мослама ўрнатганида, раис бир қаламкашнинг қўли билан журналга мақола қилиб ёзган эди.* С. Нуров, Нарвон.

КУЛЬТИВАЦИЯ [*лот.* cultus — (ерга) ишлов бериш; ўсимликларни парваришлаш] Ерни, экин қатор ораларини культиватор билан ишлаш. *Культивация қилмоқ. Ғўзаларга культивация билан бир вақтда ўғит солинади.* ▬ *Ёзги парвариш даврида чопиқ, культивация олдидан солинадиган ўғит солинмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КУЛЬТУРИЗМ [*фр.* culturisme < *лот.* cultus — шаклланиш, ривожланиш; тарбиялаш] Мушакларни ривожлантириш (ўстириш) мақсадида турли оғирликлар (гантель, тош, штанга ва б.) билан бажариладиган жисмоний машқлар тизими.

КУМУШ 1 Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент, оқ-кўкиш рангли ялтироқ, асл металл. *Аналитик ишларнинг талайгина қисми руда материалларидан олтин, кумуш, рух ва бошқа нодир элементларни аниқлаш билан боғлиқдир.* «Фан ва турмуш».

2 Кумушдан ишланган, кумуш ишлатилган. *Кумуш танга. Кумуш баркаш.* ▬ *Меҳмонхонасидаги икки кумуш қандил пориллаб ёниб турибди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 *кўчма* Кумушга нисбат билдиради. *Кумуш тола.* ▬ *Ташландиқ тегирмоннинг чирик новидан сув майда кумуш томчиларни сачратиб, гувуллаб отилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Кумуш (хотин-қизлар исми).

КУМУШЛАНМОҚ Кумуш тусида ялтираб товланмоқ. *Кўкни суяб қаққайган чўққиларнинг бошида қор саллалар кумушланади.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон. *Шамолда тебранаётган дарахт шохларидаги куз шабнами қуёшнинг заррин нурларида кумушланади.* Р. Ўроқов, Ҳаётда қолсин изинг. *Тоғ ёнбағрига тикилган оқ ўтов ой шуъласида кумушланиб, кўкаламзор адирларга янада ҳусн қўшган.* «Шарқ юлдузи».

КУМУШСИМОН Кумушга ўхшаш, кумуш рангли. *Кумушсимон оқ металл.*

КУН 1 Қуёш, офтоб. *Кун тепадан тиғ ураётганда, машина ободгина бир қишлоққа кириб келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Мана, кун ҳам терак бўйи кўтарилиб қолди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Нуктадон Мутриб дарҳол ҳовлисининг кичиклигидан кун тушмаслигига ишора қилиб, пайров билан жавоб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Сутканинг қуёш чиққандан қуёш ботгунгача бўлган қисми. *Ҳасанали кунларини томоқсиз, тунларини уйқусиз кечира бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўлмаса, мен қайтай, кун ҳам кеч бўляпти.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Бир кеча-кундузга — 24 соатга тенг вақт; сутка. *Бир йил — 365 кун.* ▬ *Уч-тўрт кунгача Аваз мозористондан чиқмади.* С. Сиёев, Аваз. *Ўшандан уч-тўрт кун ўтгач, янги гап чиқиб қолди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бу чироқ сингилчамнинг қўлидаги рухсатнома десам ҳам бўлади — роппа-роса йигирма кунга берилган.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

4 Ой ёки ҳафтанинг маълум бир календарь санаси; маълум бир ҳодисага бағишланган кун, сана. *Шанба куни сиз келинг, якшанба куни мен борай. Қайси кунларда уйда бўласиз? -Чоршанба, жума кунлари. Қурувчилар куни.* ▬ *Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида қишлоқ меҳнаткашлари учун анъанавий театр кунлари бошланди.* Газетадан.

5 (*кўпл. шаклида)* Кунлар билан белгиланувчи вақт, пайт, кез, давр. *Болалик кунларимда, Уйқусиз тунларимда Кўп эртак эшитгандим.* Ҳ. Олимжон. *Эркин кунлар келур, истиқболимиз ёрқин, толеимиз баланд бўлур, албатта.* Ойбек, Нур қидириб.

6 Об-ҳаво, об-ҳаво шароити. *Майнинг ўрталари бўлса-да, кун иссиқ эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ноябрь ўрталаб, кунлар совиган эди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Жавзо кирди. Кунлар исиб, арпа пишди.* К. Яшин, Ҳамза.

7 Айрим сўзлар билан қўлланиб, аҳвол, шароит маъносини билдиради. *Бошингизга оғир кун тушди..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Турсунойнинг кунига учраб, ёш жонингизга жабр қилманг, дейман.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Шомурод додхоҳнинг кунини менинг бошимга солардинг, одамхўр қотил!* К. Яшин, Ҳамза.

Бир кун(и) Ўтган ёки келгуси кунларнинг бирида. *Бир куни у иккита кино билети кўтариб келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Сиз-ку, ота, бир куни бориб, жонингизни яратганга топшириб, бу азоблардан қутулиб кетасиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Бир кун эмас, бир кун** Қачондир бир кун, вақти келиб. *Худо ҳаққи, бир кунмас, бир кун чўмич билан тушириб қоламан-да!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Бириси кун(и)** Эртадан кейинги кун, индин(га). *Бириси куни, намози асрга азон айтилган вақтда сени Қўйдарвоза ёнида кутаман.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бу кунингдан**.. Бу аҳволингдан кўра.. бундан кўра. *Ўл, аҳмоқ! Бу кунингдан ўлиб қўя қолганинг яхши..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Иш куни** Иш, хизмат учун белгиланган маълум муддатли вақт. *Иш куни тугади.* **Кун бермаслик** Ўз ҳолича ишлаш, яшашга қўймаслик, чиқиштирмаслик. *..икковингни мутаассиблар сазойи қилишади, ким кўрса, дакки беради, бир сўз билан айтганда, сизларга кун беришмайди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кун йўқ** Кун бермаслик, тинч қўймасликни билдиради. *Бу ерда ялангоёқлар, бошкесарлар, ўғриларнинг дастидан ҳеч кимга кун йўқ!* Чўлпон, Кеча ва кундуз. **Кун кечирмоқ (**ёки **кўрмоқ, ўтказмоқ**). Яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ, тирикчилик қилмоқ. *..асрлар давомида қарам бўлиб кун кечиришга маҳкум этиб келинган хотин-қизлар..* К. Яшин, Ҳамза. *..қачонгача хор-зор яшаймиз, қачонгача очяланғоч кун кўрамиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Улар [чол ва кампир] овчилик билан кун ўтказар эканлар.* «Чалпак ёққан кун». **Кун тартиби**

Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалалар таркиби ва тартиби. **Кундан-кун(га)** Борган сари, кун сайин. *Бемор кундан-кунга бери қарамай бошлади. Кундан-кун (га) ишлар яхшиланиб бормоқда.* **Куни битмоқ** 1) ўлим вақти етмоқ. *Гўдакнинг ризқи тугаб, куни битган. Тақдири азалда битилгани шундай бўлгач, на чора!* К. Яшин, Ҳамза; 2) ишамал имконияти тугамоқ. *Бўлмаса, унга кейин тушунтириб қўярсиз. Гап шундай: у хўжайинларига кунлари битганини етказсин. Қанча тезроқ йўқолишса, ўзларига шунча яхши бўлади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кун(и) туғди** *қ.* **туғмоқ.** *-Энди сенинг ҳам кунинг туғди. Одам бўл! — деди Давлатёр ва молларни қайтара бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Кунини кўрсатмоқ** Жуда қаттиқ ёмонлик, жабр-зулм қилмоқ (шу ҳақдаги дўқ-пўписани билдиради). *Кунингни кўрсатиб қўяман.* ▬ *..отангга айтиб бераман, кунингни кўрсатади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Меҳнат куни** *қ.* **меҳнат**. **Ой чиқса ҳам унга, кун чиқса ҳам унга** *кест.* Ҳамма нарса, диққат-эътибор унга (Кимсанинг эрка-арзандаси бўлиб қолган кишига нисбатан айтилади). **Тунов куни** Яқин ўтган кунларнинг бирида. *Тунов куни кўрган эдим.* ▬ *Тагида тутун бурқсаётган бак олдида тунов куни миршабларнинг кичиги..* С. Аҳмад, Уфқ. **Туну кун** *қ.* **тун-кун**. **Ўлган(и)нинг кунидан** *қ.* **ўлмоқ. Қайси куни** *айн.* **тунов куни**. *Охирги сўзларни ўқир экан, Гавҳар маъюс бўлиб қолди. Қайси куни марказдан келган врач Ҳанифа холанинг касали рак экани, саноқли кунлари қолганини айтган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Қулоғидан кун кўринади** Жуда озиб кетган.

КУНБАЙ Кун ҳисоби билан ҳақ тўланадиган. *Кунбай иш. Кунбай ишламоқ.*

КУН-БАКУН *кам қўлл.* Кундан-кун, кундан-кунга. *Кун-бакун зиёда бўлди ҳасратим.* «Алпомиш».

КУНБОТАР 1 *айн.* **ғарб**. *«Б» қишлоғининг кунботар томонидаги пастгина кулбадан.. бир чол чиқди.* А. Раҳмат, Варракчи чол. *Ташқарига чиққанимда, кунботардаги адирлар бетидан — арчазорларни оралаб қўйларимиз тушиб келмоқда эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Кун ботадиган вақт. *Кунботар олдида бир-иккита томчилагани бўлмаса, ёмғир ҳали ёққанича йўқ эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

КУНБОТИШ *қ.* **кунботар.** *У ўзига келгач, ўрнидан турди-да, кунботиш томонга қараб кетди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Қашқатовнинг кунботиш биқинидаги жилғада оппоқ қор ётибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КУНГАБОҚАР Пояси учида тарелкасимон сариқ тўпгули бор, уруғидан мой олиш учун экиладиган йирик баргли бир йиллик ўсимлик. *..устида кунгабоқарга ўхшаган, маҳалла қозонидай келадиган гули бор.* Газетадан.

КУНГАЙ Қуёшга қараган, қуёш тик тушадиган. *Кўчаларнинг кунгай томонида лой қуриб, ҳавасга юрадиган, юмшоқ қайроқдай йилтироқ сўқмоқ йўл тушди.* А Мухтор, Опасингиллар. *-Ҳар қанақа тоғнинг кунгай ери терскай ёғидан шунақа паст бўлади, — деди Алимбува.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУНГУРА [*ф.* کنگره — девор ёки тўсиқнинг дандонаси] Қалъа деворлари ёки иморат айланасига тишга ўхшатиб ишланган меъморий безак; дандана. *Фақат шаҳар атрофини ўраб олган пахса деворлар устида соқчиларгина у ёқдан-бу ёққа юриб турар, девор кунгураси орқали қараб, шаҳарни ташқи ҳужумдан қўриқлар эди.* Ойдин, Гулсанам. *Бу очиқ мозористонни қўрғон кунгуралари устида.. Тошкент мудофелари минг турли шодликлар ичида томоша қилардилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Меъмор бўлса, мадрасанинг гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига ўтиб, пештоқу гулчамбарларга, равоқу кунгураларга тикиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КУНГУРАДОР Кунгураси бор, кунгурали. *Ўрданинг ғиштин, кунгурадор қўрғонлари ости билан махсус муҳофиз йигитлар айланиб, бегона кишини қўрғон яқинига йўлатмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Баланд кунгурадор деворлар билан ўралиб, юксак буржларига тўп ўрнатилган ўрдадай ҳовлининг ҳар жой-ҳар жойида тош фонуслар милтираб туради.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

КУНГУРАЛИ *айн.* **кунгурадор.** *Қурилишда сирланган сопол тахтачалар, ганчга ўйилган кунгурали безаклар ишлатилади.* «Гулистон». *Отабойнинг пешонасидаги чандиғи ўша 1918 йилнинг баҳор кунлари Тупроққўрғоннинг кунгурали девори остида пайдо бўлди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

КУНДА́ I [*ф.* کنده — дарахтнинг ост қисми; тўнка; тахта кишан] **1** Кесилган ёки

синган дарахтнинг илдиз томонида қолган остки қисми; тўнка. *Кунда ковламоқ.* ▬ *Исматхожи қора мовут чакмонининг бир барини қайириб, яқиндагина кесилган бир терак кундасига келиб ўтирди.* Ойдин, Ямоқчи кўчди. *У аввал катта кундаларнинг теварагини кетмон билан чопишга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Устида бирор нарсани чопиш, қирқиш ва ш. к. учун қилинган махсус ғўла. *Кудунгчининг кундаси. Кундага қўйиб чопмоқ. Болта тушгунча, кунда дам олади.* Мақол. ▬ *Қассоблик қилмоқчи бўлган одам аввало бир қўлини кундага қўяди-ю, болта билан чопади. Агар чопилмаса, қассоблик қилади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг кўзи айвон устунига суяб қўйилган кунда ва ошпичоққа тушди.* С. Нуров, Нарвон.

3 *махс.* Мойжувознинг ўғирсимон таянч ёғочи, ичи ўйилган йўғон ғўла. *Тангадек соя тушмайдиган дарахтсиз ташқари ҳовли.. ўртасида жувоз кундага ўхшаш қозиқ.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *[Зиғир мойи].. бозорда сариқ мойдан икки баробар қиммат-а!.. Кундадан чиқар-чиқмас, тўйларга олиб кетишаркан.* С. Нуров, Нарвон.

4 Токнинг тупи, занги. *Чорвоқча катта бўлмаса ҳам, икки туп олча.. икки кунда узуми, бир-икки туп қизил гул бор экан.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар. *Хомток вақтида кундадан ўсиб чиққан новдалардан 2—3 та энг яхшисини қолдириб, бошқаларини токқайчи билан тагидан олиб ташлаш керак.* Газетадан.

5 *тар.* Бандиларнинг оёғига уриладиган (солинадиган) махсус ёғоч асбоб, тахта кишан. *Хатирчилик бандининг «бизни озод қиладилар» деган сўзига ҳалигача ишонмай турган бандилар ҳам, кишан ва кундаларининг очила бошлаганини кўриб қувонмоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар. *Борса, энаси оёғида кунда, бўйнида ғул, ўлиб ётибди.* «Муродхон».

КЎНДА II *рвш.* Ҳар куни. *Кунда хабар олиб турмоқ.* ▬ *Боринг, Ўрмонжон акамга ростини айтинг.. шундай бўлган эди, билмабман денг. Кунда-кунда ўлгандан, бир кунда ўлган яхшироқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кунда тушганини кунда жўнатиб турибман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

КУНДАК Дарахтнинг остки қисмидан — тўнкадан ўсиб чиққан қисми. *Кундак тут. Кундак қайрағоч.* ▬ *Ҳовузнинг.. лабида бир-икки кундак тол ҳам бор эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КУНДАКОВ [*ф.* کنده‌کاو — кунда ковловчи]: **кундаков қилмоқ** Тўнкани ердан ковлаб чиқармоқ. -*Кўрдингми бу тўнкаларни? — Йўлчига қараб гапирди у [Мирзакаримбой]. — Боплаб кундаков қил, илдизи қолмасин, уқдингми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамлар мевали дарахтларни кундаков қилаётган, молларини ҳам сўйиб сотаётган бир пайтда бунга ишониш қийин эди.* О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

КУНДАЛ *эск.* **1** Зар иплар билан тўқилган қимматбаҳо мато. *Ҳамзахондан келган элчиларни, албатта, ноумид қайтармайди. Кундал ёпади.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Шундай матодан тикилган нарса, кийим. *Кундал тўн.* ▬ *Канизлар «эшон» келар деб, кундал, кимхоб кўрпаларни солиб.. «эшон»нинг кифти тутилган еридан зиёрат қилдилар.* «Зулфизар билан Авазхон». *Иккита яхши кундал бериб юборсин, ҳокимтўра билан приставга кийдирамиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

КУНДАЛИК 1 Ҳар кунги, ҳар бир кунга хос. *Газеталардан кундалик ахборотни зўр ташвиш билан кузатиб турган кишиларга ҳали ўзи ҳам тушуна олмаган бу ердаги осойишталик тўғрисида нима деб ёзади?* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Кунда бўлиб турадиган; одатдаги. *Лекин ўйлаб қараса, районга деб йўлга чиққанида, кўзига жуда катта кўринган бу ташвиш ҳозир кундалик икир-чикирлар қаторига кириб қолибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Ҳодисалар, кузатишлар ва ш. к. ёзиб бориладиган журнал, дафтар. *Экспедиция кундалиги.* ▬ *Йўлдош, кундаликка ёзиб қўйинг. Битта ош ҳам қарз қилиб қўйдик.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Дадангизнинг китобларини, кундаликларини, мактубларини, хуллас, ёзилган қоғоз борки, беркитиб ташланг.* Т. Малик, Иблис девори.

4 Ўқувчиларнинг уйга берилган вазифаси ва олган баҳолари ёзиб қўйиладигаи дафтари. *Уларнинг [ўқувчиларнинг] баҳоси йўқлама ва кундаликка қўйилади.* Й. Абдуллаев, Дарс юзасидан баҳони қандай қўйиш керак?

Кундалик дафтар *айн.* **кундалик 3, 4**.

КУНДОШ *эск.* Бир эр никоҳидаги бир неча хотин (бир-бирига нисбатан). *Сабаби, икки хотиним бор, икки кундошнинг устига куёв кўрмаган қизни анча-мунча одам, албатта, бермайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

КУНДОШЛИК Кундош хотинлар орасидаги ҳолат, муносабат. *Айниқса, кундошлик иши қийин, коса-косага текканда, ғиди-ғиди гаплар кўпайса, бизга эмас, ўғлингга ҳам татимай қоладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КУНДУЗ Сутканинг қуёш чиққандан қуёш ботгунгача бўлган қисми. *Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммо кеча ҳам кундуз сингари мурувватсиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУНДУЗГИ Кундузга хос, кундузи бўладиган. *Сарой аҳли кундузги иш-кучларидан бўшаб, ҳужраларига қайтганлар.. шунинг учун кундузгига қараганда сарой жонли.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кундузги жўшқинлик тинади аста, Бошланар далада сафоли оқшом.* Ғайратий.

КУНДУЗИ *рвш.* Сутканинг қуёш кўринадиган қисмида, ёруғ пайтда. *-Қўйинглар, — деди Рўзимат, жанжалнинг олдини олмоқчи бўлиб, — бу гапни кундузи гаплашинглар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КУНЖ [*ф.* كنج — бурчак] **1** *эск. кт.* Овуш, қучоқ, ич. *Нўш этарман аччиғ-аччиғ ҳажру фурқат кунжида, Кўзларимнинг косасида лаб-балаб қон, келмасанг.* Ҳабибий. *Неки дард бор, неки кулфат бу жаҳоннинг кунжида, Мен бўлай юз минг гирифтор, лек маҳваш бўлмасин.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 *кам қўлл. айн.* **кунжак**. *Бунга янги мактаб ҳовлиси кунжидаги пастак бир уйча, бу уйчадаги мўъжаз бир кутубхона сабаб бўлди.* О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

КУНЖАК Бурч, бурчак; чекка. *Эй болаларим, отангнинг шаҳрининг бир кунжагида, гул саройнинг ўнг томонида бир уста бор.* «Эрали ва Шерали». *Ер, томлардаги оппоқ қор живирлайди, кунжакларга ва девор тагларига бўралаб урган қор саҳндан кўкрак баравар кўтарилган.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Ниҳоят, беихтиёр босворди кунжакда турган радио тугмасини.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

КУНЖАРА [*ф.* كنجاره — қуйқа; чиқит, чиқинди] Уруғ ёки мағизларнинг ёғи сиқиб олингандан кейинги қолдиғи (кўпинча чорва озуқаси сифатида ишлатилади). *Пахтадан турли-туман газлама, ёғ, кунжара, совун ва бошқа маҳсулотлар олинади. Кунжара молни семиртиради.* ▬ *Ферма учун давлатдан фақат кунжара билан кепак сотиб олинади, холос.* Н. Юнусова, Боғдаги суҳбат.

КУНЖУТ [*ф.* كنجد — уруғидан ёғ олинадиган ўсимлик] Жанубда ўсадиган, уруғидан ёғ олинадиган бир ва кўп йиллик ўсимлик ва шу ўсимликнинг уруғи. *Раис.. план берилмаган бўлса-да, озроқ зиғир, кунжут эктираётганини.. айтди.* С. Нуров, Нарвон.

КУНЖУТЛИ Кунжут сепилган. *Сихкабоб, кунжутли нон, пешноб, сомсалардан еб қолинг!* И. Раҳим, Ихлос.

КУНЖУТПОЯ 1 Кунжут ўсимлигининг асосий танаси, пояси.

2 Кунжут экилган ер майдони.

КУНИГА *рвш.* Ҳар куни, бир кун давомида. *Кунига уч маҳал дори ичмоқ.* ▬ *Горчаково станциясига Тошкент тарафдан кечаси соат уч яримда келадиган пассажир поезди энди кунига уч-тўрт маҳал ўтади.* С. Аҳмад, Уфқ.

КУНЛАШМОҚ Ҳасад, рашк қилмоқ. *Жуда ҳам Омоннинг бахтидан кунлашар эдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КУНЛИК Бир кунга мўлжалланган, бир кунда бўладиган, бир кунга оид. *Икки кунлик тўй. Ўн кунлик озиқ-овқат.* ▬ *Кунлик ўсиш беш-олти фоиз ва ундан ҳам оша боради.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Кунлик топишим яхши бўлиб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Беш кунлик дунё Тез ўтиб кетадиган, қисқа ҳаёт ҳақида. *-Ичинг, Салимжон, ичинг, Абдишукур! — хитоб қилди Жамолбой. — Беш кунлик дунёни кайфичоғлик биланширингина ўтказиш керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

КУНОРА *рвш.* Икки кунда бир, орада бир кун ўтказиб. *Кунда, кунора ёғиб турган қор-ёмғир дардчилларни ўрнидан турғазмай қўйди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Кунора тугун кўтариб Рўзиев келиб туради.* Э. Аъзамов, Жавоб.

КУНПАЯКУН [*а.* كن‌فيكون — бутун борлиқ, мавжудот; яратилиш]: **кунпаякун бўлмоқ** Бузилиб, янчилиб, йўқ бўлиб кетмоқ. *Шаҳар ўртасидаги икки катта бино ҳам кунпаякун бўлди.* Мирмуҳсин, Она. **Кунпаякун қилмоқ** Бузиб, янчиб, йўқ қилиб юбормоқ. *Ҳар бири нўхатдек-нўхатдек келадиган дўл чорак соат ичида нозик ниҳолларнинг яр-

мичасини кунпаякун қилди. Ш. Ғуломов, Қалб ундайди.

КУНУН *шв.* Ҳар куни, кунда. *Аммо биринчи куниёқ Зайниддин жанжал бошлади. Шу-шу кунун машмаша.* «Муштум».

КУНЧИ 1 Ҳасад, кўролмаслик ҳисси кучли; ҳасадчи. *Тақдирингдан нолима, ҳақни дилдан қўймагин, Ўзганинг давлатига суқланиб, бўлма кунчи.* Миртемир.

2 Рашк, қизғаниш ҳисси кучли; рашкчи. *Маждиддин кунчи эрлардан бўлса ҳам, лекин бу хабар уни жуда қувонтирди.* Ойбек, Навоий. *Сорахон ниҳоят кунчи хотин эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

КУНЧИЛАМОҚ Кунчилик қилмоқ, кунчилик ҳисси қўзғамоқ; рашк қилмоқ. *Норқўзи акадай эрни кунчилашни гуноҳ деб билардим.* И. Раҳим, Ёш хотин. *Бу гапдан Нусратилланинг тани жиз этиб кетди, Турдиматчўталга еб ташлагудай қараб, кунчилаганини билдириб қўйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КУНЧИЛИК Кунчига хос хусусият, хатти-ҳаракат. *-Бачкана бўлманг, Асад ака. Кунчилик ҳам ўлсин шунақа бўлса. Воҳид Зокировичнинг лойиҳаси.. ўзбек халқининг ҳам манфаатини кўзлайди, — деди Адолат.* З. Фатхуллин, Оби ҳаёт. *Салимжоннинг кунчилиги кундан-кун авжига чиқа бошлади.* А. Қаҳҳор, Муҳайё.

КУНЧИҚАР *айн.* **шарқ** I. *Итларнинг қишлоқнинг кунчиқар томонидан бошланган акиллашлари секин-секин қишлоқнинг кунботар томонига келмоқда эди.* С. Айний, Қуллар. *Кунчиқар томонда тепаликлар бўлиб, кунботар томон — текислик, ундан нари — қумликлар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КУНЧИҚИШ *айн.* **кунчиқар.** *Осмоннинг кунчиқиш қисми энди оқара бошлаган, лекин ҳатто барвақт турадиган қишлоқ аҳли ҳам ҳали уйқуда.* О. Ёқубов, Диёнат.

КУНЧУВОҚ *айн.* **офтобчувоқ.** *Қиз-келинчаклар қалин уст-бошларини ташлаб, енгил кийиниб олишган.. қизлар кунчувоққа ўтириб, кашта тикади.* Н. Фозилов, Оқим. *Чилла уйқусини олиб бўлган айиқ полвон ўзини кунчувоққа ташлади.* «Саодат».

КУНЯ, куния [*а.* كنية — лақаб, ном] Кишининг авлод-аждодини, насл-насабини билдирувчи, киши исмига ҳурмат юзасидан қўшиб ишлатилувчи сўз, ном («Абу», «бинт», «ибн», «умм» сўзлари куня ҳисобланади).

КУПЕ [*фр.* coupe < couper — қирқмоқ, бўлмоқ] Вагоннинг бир неча пассажир учун ажратилган алоҳида бўлмаси. *Шербек вагонга чиқиб, билетда кўрсатилган купе эшигини очди-ю, тўхтаб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КУПЛЕТ [*фр.* couplet] **1** Шеър ёки қўшиқнинг икки ёхуд тўрт мисрадан иборат бўлган алоҳида банди.

2 Эстрадада ижро этиладиган, долзарб мавзудаги ҳажвий қўшиқ.

КУПОН [*фр.* coupon < couper — қирқмоқ, кесиб олмоқ] Қимматбаҳо қоғозларнинг фоиз (процент)ини тўлашда кесиб олинадиган қисми, талони. *Облигация купони.*

КУПОРОС [*фр.* couperose < *лот.* cuprirose — мис гули] Сульфат кислотанинг баъзи тузлари учун техникада қабул қилинган ном. *Мис купороси. Темир купороси.*

КУРАК 1 Сочилган нарсаларни сидириш, кураш, тўплаб бирор нарсага солиш учун ишлатиладиган, ёғочдан ёки металлдан ясалган узун сопли асбоб. *Йўлчи.. курак ва супурги олиб, отхонани тозалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меҳмонхона устида қулоқларини латта билан боғлаган бола ёғоч куракни ғириллатиб, қор кураб ётган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *анат.* Елканинг юқори қисмидаги учбурчак шаклли ялпоқ суяк. *-Секинроқ юрсанг бўлмайдими, қизим! — деди она қўли билан Зебонинг икки кураги ўртасига ёпишган қўйлагини кўчирар экан.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Курак тиш Юқори қатордаги олдинги икки ялпоқ тиш. *Ёшни билиб олишга имкон берадиган анча аниқ белги.. курак тишлардир.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик. **Куракда турмайдиган** 1) тилга олиб бўлмайдиган, ярамас, уятли (гап-сўз ҳақида). *Нормат-ҳожининг жони чиқиб, томдагиларни куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиб, ҳайдаб юборди.* Ойдин, Бечора; 2) ақлга тўғри келмайдиган; бемаъни. *Эсон яна ўтириб қолишга мажбур эди. Чунки у, акасининг ичганда қиладиган ўжарлиги ҳеч куракда турмайдиган даражада бўлишини биларди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

КУРАКЧА 1 Курак 1 с. кичр.-эркл. Кичкина курак. *-Хизмат ҳақини аллақачон олиб бўлганмиз, — деди [уста], куракчасидаги қотиб қолган лойни тозаларкан.* Н. Аминов, Суварак.

2 Кул ёки ўт олиш, кўмир солиш учун ишлатиладиган, икки чети қайрилган дастали асбоб. *Қудрат куракча билан оловга кул сепди-да, уйга кирди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

КУРАМОҚ Курак билан сидирмоқ, сурмоқ; тўпламоқ. *Баҳорни кутманг. Қор куранг, самоварчиларга сув ташинг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Худойқул одамнинг қўлидан келадиган ҳар қандай ишга қобил эди. От-молга қарайди, гўнг курайди, жоди билан пичанпоя қирқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУРАНТ [*фр.* courant – оқувчи, югурувчи] Минора ёки деворга ўрнатилган, мусиқа жўрлигида занг урадиган соат ва шундай соатларнинг мусиқа механизми. *Тошкент куранти.* ▬ *Айланиб юриб-юриб, соат тўққиз яримга занг чалинаётганда, курантнинг олдидан чиқишди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Тўрда пианино, бурчакда курант соат, деворда ҳам, ерда ҳам, диван устида ҳам гилам.* С. Аҳмад, Пойқадам.

КУРАТОР [*лот.* curator – ҳомий, тарбиячи] **1** *қ.* **раҳбар (синф раҳбари)**. *Саодат опа ишга чиққан биринчи куниёқ мактабга борди. Директор, куратор, ўқитувчилар билан суҳбатлашди.* Р. Файзий, Қадрдон хатлар. *Кураторларга тайинланг. Биронта ота-она бехабар қолмасин.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Бирор иш устидан назорат қилиб туриш вазифаси юклатилган, топширилган шахс.

КУРАШ I **1** Йиқитиш, ғолиб чиқиш учун икки киши ўртасидаги, маълум қоидага асосланган олишув, ўзаро беллашув. *У ҳозир курашда рақибини ёнбошга олиб отган, лекин рақиби тикка тушиб, ўзи ёнбошга олинган кишининг аҳволига тушиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Элмурод саҳн ўртасида тўпланишган ёшлар томонга кетди. Бу ерда кураш бошланган бўлиб, Давлатёр билан Маъмуржон бел олишмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кураш(га) тушмоқ Йиқитиш ёки ғолиб чиқиш учун ўзаро беллашмоқ, курашмоқ. *У ерда болалар кураш тушишади, чиллак ўйнашади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *-Ҳа, сен гитлерчилар билан кураш тушгани келганмидинг? – кулди Бектемир.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Йиқитишга асосланган беллашувларнинг умумий номи, спортнинг шундай тури. *Миллий кураш. Эркин кураш. Дзюдо кураши.* ▬ *Барот полвон дунёда икки нарсани яхши кўрар эди: биринчиси – кураш, иккинчиси – ашула.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Спортнинг бирор тури бўйича куч, маҳорат, устунлик кўрсатиш учун бўлган мусобақа. *Ҳозир шахмат тожи учун кураш бормоқда.* ▬ *Тренер менга қўлқоп бераётиб: -Машғулот вақтида ҳам, ҳақиқий кураш вақтида ҳам юрагингни сақла, – дер эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Йиқилган курашга тўймас Ўзаро мусобақада ёки олишувда бир неча бор ютқазганда ёки мағлубиятга учраганда ҳам яна мусобақалашишни ёки олишувни талаб этаверадиган шахс ҳақида айтиладиган мател. *Йиқилган курашга тўймас, деганларидек, у дўстидан яна бир партия шахмат ўйнашни талаб қилар эди.*

4 Қарама-қарши бўлган томонлар ўртасидаги устун келиш, ғалаба қилишга қаратилган тўқнашув, олишув, жанг. *Сиёсий кураш. Мафкуравий кураш. Душман кучлари ўртасидаги кураш.* ▬ *Абдуллажон босқинчилар билан курашда ҳалок бўлди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Худоёр ниҳоят қайин отаси билан курашда ўзига биринчи суянчиқ қилиб шу кейинги синф уламони олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Бирор нарсага эришишга, бирор мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолият, хатти-ҳаракат. *Тинчлик учун кураш.* ▬ *Ваъданинг устидан чиқиш учун ҳозир ҳар бир қурилиш майдонида қизғин кураш бормоқда.* Газетадан. *Бригадада ғўзанинг ҳозирги ҳосилини тутиб қолиш, мавжуд ҳосилга ҳосил қўшиш учун кураш бошланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 Бирор кимса ёки нарсага қаратилган фаол қаршилик; уни енгиш ёки йўқ қилиш учун бўлган ҳаракат, олишув. *Эскилик сарқитларига қарши кураш. Ваҳҳобийликка қарши кураш. Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш.* ▬ *-Ҳозир ичкиликбозлик, алкоголизмга, гиёҳвандликка қарши очиқчасига аёвсиз кураш олиб борилмоқда.* Газетадан.

7 *кўчма* Қарама-қарши қараш, ҳис-туйғу ва ш. к. лар тўқнашуви, олишуви. *Чоллар одамлар даврасида анча жим ўтиришди. Ичларида айтиш ва айтмаслик кураши кетаётгани равшан эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қарама-қарши ғоялар кураши эса*

сўнгги нафасгача давом этадиган ҳаёт-мамот жангидир. «ЎТА».

КУРАШ II **Курамоқ** фл. ҳар. н. *Шундай кезларда қор ҳам ёғиб қоладиган бўлса, дарҳол болта куракка айирбошланиб, қор курашга тушилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Чакка ўтиб кетмаслиги учун томларни дарров кураш керак эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУРАШМОҚ I **1** Бир-бирини йиқитиш, ғолиб чиқиш учун маълум қоида бўйича олишмоқ, ўзаро беллашмоқ, кураш (га) тушмоқ. *Улар бир-бирларининг белбоғларидан маҳкам ушлаб, узоқ курашдилар.* ▬ *Курашмай, қувватим қайдан биласан, Оғзинг билан шунча полвон бўласан.* «Тоҳир ва Зуҳра».

2 Спортнинг бирор тури бўйича беллашмоқ, мусобақалашмоқ. *Футбол командалари ўзаро астойдил курашмоқда. Эртага энг зўр шахматчилар курашадилар.* ▬ *Сурон зўрайди, [тортишувчилар] яна туриб, ҳансираб, тортишувни давом эттирадилар. Куч синашда ҳар икки томон астойдил курашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор нарсага эришиш, бирор мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилмоқ, фаолият кўрсатмоқ. *Очилган қўриқлар яна ҳам кўркам ва муҳташам бўлиши учун курашайлик.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Фабрикамизда илғорлар жуда кўп, улар ҳам маҳсулот кўлами учун, ҳам сифати учун курашадилар.* Газетадан.

4 Бирор кимса ёки нарсага фаол қаршилик кўрсатмоқ, уни енгиш ёки йўқ қилиш учун чора кўрмоқ, ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ, олишмоқ. *Жабр-зулмга қарши, ҳуқуқсизликка қарши курашмоқ керак.* Ойбек, Нур қидириб. *Бўрон вақтида ҳам, бўрон тўхтаганда ҳам битмас-туганмас ғайрат ва жасорат намуналарини кўрсатиб, табиат офатига қарши курашдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жиноятларга қарши курашиш ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни тугатиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.* Газетадан.

5 Жанг қилмоқ. *Тўпчиларимиз саросимага тушмай, ўз позицияларида маҳкам туриб, қаҳрамонларча курашдилар.* Газетадан.

КУРАШМОҚ II **Курамоқ** фл. бирг. н. *Болалар кун бўйи томлардаги ва ҳовлидаги қорларни курашди.*

КУРАШЧАН 1 Курашга қобилиятли, кураш олиб боришга қобилияти зўр.

2 Муросасиз кураш олиб борувчи. *Инсоннинг бахт-саодати йўлида.. ҳормас-толмас курашчан бўл.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУРАШЧИ 1 Кучи ва эпчиллигини намойиш қилиш мақсадида кураш билан шуғулланадиган, кураш тушадиган шахс, спортчи. *Иккови, гўё уста курашчилардай, белларини эгиб, бўйинларини бир-бирининг елкасига қўйганлари ҳолда, айиқдай тебранишиб, даврани айландилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўз мақсади, ғояси йўлида фаол ҳаракат қиладиган, бунга монелик қилувчи ғовларни енгиш учун олишувга, ҳатто душманга қарши жанг қилишга ҳам тайёр бўлган шахс. *Аҳмад Собирни исёнкор, ҳаётдаги бир хилликка, рангпар ва турғун мувозанатга қарши курашчи сифатида тасаввур қилганди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *«Ҳамёни зўрлар»нинг ҳокимиятини парчалашга бел боғлаган курашчиларга табиий бир ички интилиш билан яқинлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КУРД *қ.* **курдлар.** *Курд тили. Курд йигити.*

КУРДЛАР Ғарбий Осиёнинг бир қанча мамлакатларида (Эрон, Туркия, Ироқ, Сурия) ва қисман Кавказортида яшовчи эроний халқ.

КУРДИК *шв.* Хамир овқатнинг бир тури (жўхори унидан қилинган хамирни узиб-узиб, қозонга солиб пиширилади). *Бурма курдик. Узма курдик.* ▬ *Бундай оғир меҳнат яхши овқат талаб қиларди, аммо у қани? Қишлоқда гўжа ейилса, шаҳарда ёғсиз, гўштсиз, хамирдан қилинган курдик ейиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КУРК Товуқнинг тухум қилишдан тўхтаб, жўжа очишга тайёр ҳолати (бунда товуқ ҳурпайиб, «курк-курк» деган товуш чиқариб юради). *Товуқ курк бўлибди.* ▬ *Товуқларнинг серпуштлигини ошириш учун уларнинг курк бўлишига йўл қўймаслик керак.* «Паррандачилик».

КУРКА Товуқсимонлар оиласига мансуб, йирик уй паррандаси. *Курка гўшти. Курка тухуми.* ▬ *Курка гўштининг лазизлиги ҳам, фойдалилиги ҳам товуқ гўштидан қолишмайди.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

КУРКУНАК Кўкқарғалар туркумига мансуб, яшил патли, бигиз тумшуқли, жарларга уя соладиган ҳашаротхўр қуш.

КУРМАК Одатда шолипояда кўп ўсадиган ёввойи ўт ва унинг қорамтир, тариққа ўхшаш дони. *Шолининг орқасидан курмак сув ичади.* Мақол. ▬ *Баҳона билан, шоли орқасидан курмак сув ичиб, янги уйлик ҳам бўлиб қолдим.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бас, тишингиз ғирчиллаб, тош-пош чайнамасин деб, Гуручларни тозалаб, курмагин терганларим.* С. Акбарий.

КУРОРТ [*нем.* Kurort < Kur – даволаш + Ort – жой, ўрин] Табиий шароити, табиий шифобахш воситалари (мас., булоқлар, балчиқлар каби) жиҳатидан дам олиш ва даволаниш учун қулай жой ва шундай жойдаги даволаниш муассасаси. *Курорт мавсуми. Курортда даволанмоқ.* ▬ *Ўзбекистоннинг табиий шароити курортлар, санаториялар, дам олиш уйларини янада кенгайтиришга жуда ҳам қулайдир.* Газетадан.

КУРОРТОЛОГИЯ [*нем.* Kurort – даволаш жойи + *юн.* logos – таълимот] Тиббиётнинг табиий шифобахш шароитлар, омилларни, улардан даволаш-профилактика мақсадларида фойдаланиш йўлларини ўрганувчи бўлими. *Семашко номидаги Ўзбекистон курортология илмий-текшириш институтининг олимлари сувнинг таркибини текшириб, хосиятли, шифобахш эканлигини аниқладилар.* «Гулистон».

КУРРА I [*а.* کره – юмалоқ, тўгарак] *кт.* **1** Шар шаклидаги нарса; шар.

Ер курраси Ер шари.

2 Ер, ер юзи. *Мана шу ва шунга ўхшаш жумбоқларни еча олсак, куррамизнинг қандай вужудга келганлиги, унда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва эртанги кунини олдиндан кўриш имконига эга бўламиз.* «Фан ва турмуш».

КУРРА II [*ф.* کرّه – хўтик] *шв.* Хўтик, эшак боласи. *Эшаклар орасида чиройли куррачалар ҳам бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

КУРС I [*лот.* cursus – югуриш, пойга; ҳаракат, йўл, йўналиш < currere – югурмоқ, тез ҳаракат қилмоқ] **1** Ўқув юртларида бирор фан ёки унинг бирор қисмининг маълум ҳажмдаги изчил, тартибли баёни; шундай баёндан иборат бўлган дарслик. *То шу кунгача олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун ҳозирги замон ўзбек тили курсидан мақбул бир қўлланма йўқ эди.* «ЎТА».

2 Маълум соҳалар бўйича тугал таълим, ихтисос берадиган махсус ўқув муассасаси. *Бухгалтерлар курси. Машинисткалар курси. Стенография курси. Шофёрлар курси.* ▬ *[Жонфиғон].. бир вақт қарасаки, Малоҳат, курсни битириб, юк машинаси миниб юрибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. *Курс яқинда ўзининг биринчи қалдирғочларини учирма қилади.* Газетадан. *Қизлар учун гул дасталаш санъатини ўргатувчи курс очишни орзу қиларди.* А. Мухтор, Чинор.

3 Олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг ҳар бир йили, бир йиллик босқичи, поғонаси. *Бу йил у институтнинг иккинчи курсини тамомлайди. Нечанчи курсда ўқияпсиз?* ▬ *Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда хоналар кам ва тарқоқ бўлгани учун, вахтёр ўтирмас, ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *..бу қиз Талъатдан бир курс юқорида ўқир, жозибали боқишлари.. унинг кўнглига ўт соларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Курс иши Олий ўқув юртларида талабаларнинг ўқув режасидаги махсус фанлар, баъзан умумкасбий фанлар бўйича бажарадиган мустақил илмий иши.

4 Бир давра даволаниш; даволаниш тадбирларининг тугал бир даври. *Электр билан даволаниш курси.*

КУРС II **1** Кема, самолёт ва ш. к. нинг ҳаракат йўли, йўналиши. *Жаноб капитан, кемани Бектош курсидан адаштирмасанг, елкангдан ўқ ейсан.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 *кўчма* Маълум бир масалани ҳал қилишда тутилган йўл; сиёсат йўналиши. *Ҳозирги асосий курс қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришдир.*

3 Акция, облигация, вексель каби қимматли қоғозлар сотиладиган ва харид қилинадиган баҳо; нарх.

4 Бир мамлакат пул бирлиги баҳосининг бошқа мамлакат пул бирлигидаги ифодаси.

КУРСАНТ [«курс» с. дан] **1** Махсус таълим, ихтисос берадиган курсда ўқувчи, курс ўқувчиси. *Илгари совхозда механик-ҳайдовчилар курси ташкил қилинган бўлса ҳам, унда ўқиётган курсантлар асосан овул йигитлари эди.* Э. Носиров, Ташаккур сизга, холажон.

2 Ҳарбий мактаб ўқувчиси. *Баъзи курсантлар командирларни тутиб, ўқиш муддати, қандай унвонли командир бўлиб чиқи-*

шини сўрар, улар ҳам ё кулиб қўя қолишар, ёки «ҳарбий сир», деб ўтиб кетишар эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КУРСДОШ Бир курс талабаси (бир-бирига нисбатан) *Ҳарбийда уч йиллик хизмат қилгани сабаб бўлса керак, курсдошларидан ёши каттароқ эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Гавҳар бу қиз билан курсдош бўлса ҳам, ҳали яхшироқ танишиб олмаган, отини ҳам билмасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КУРСИ [*а.* كرسى – ўриндиқ, стул; минбар] Бир киши ўтириши учун мўлжалланган, одатда, тўрт оёқли оддий мослама, ўриндиқ; суянчиқсиз стул. *Унсин.. курсида ўтириб, маҳси тикади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Матпано пастак курсига чўнқайиб, этигини ечди, чориқ кийди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Умуман, стул, ўриндиқ. *Курсини столга яқинроқ суриб ўтириб, ишини давом эттирди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Давронов ёзги театр залига кирганида, битта ҳам бўш курси қолмаган эди.* И. Раҳим, Ихлос.

Қора курси Судда айбдор ўтирадиган жой, стул ёки скамейка. *Қора курсида эри билан ўғлининг ўртасида ўтирган Ширмонхон ғужанак бўлиб олган, қимирламасди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Қора курсига ўтираётган жиноятчига ўхшаб қолганидан, юзлари ловуллаб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Устига дастурхон ёпиб (ёзиб), егуликлар, таом қўйиладиган қурилма; сандал. *Ичкари ҳовлида, кекса Меъмор атрофида қизи ва хотини шумшайиб ўтиришарди; ўртада устига эски дастурхон ёпилган курси, курси устида нон, қанд-қурс, чой..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Курси устига дастурхон ёзилиб, мева-чева тўла патнус қўйилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КУРСИВ [*лот.* cursiva (littera) – тез ёзув] *полигр.* Ёзма ҳарфга ўхшаш, бир оз ётиқ босма ҳарф; шундай ҳарфлар билан ёзиш, ажратиш. *Сўзни курсив билан ажратмоқ. Курсив ҳарфлар.*

КУРСИЛЛАМОҚ «Курс-курс» деган товуш чиқармоқ. *У [Шерали] аввал Қирғийга, кейин Қорабайирга икки чақмоқдан қанд берди. Отлар қандни курсиллатиб чайнай бошлади.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. *Патирни курсиллатиб-курсиллатиб ўзим еяман.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КУРС-КУРС *тақл. с.* Қаттиқ ёки мўрт нарсаларни чайнаганда чиқадиган товушни билдиради.

КУРСОВКА [«курс» с. дан] Курортда ётоқ олмасдан, яшаш жойисиз даволаниш ва овқатланишгагина ҳуқуқ берадиган ҳужжат.

КУРТ 1 Учи тўмтоқ, ўтмас (игна ҳақида). *Курт игна.*

2 *кўчма* Ўтмас, шарт кесадиган эмас. *Ҳар бир ишимиз тўмтоқ ва курт бўлгани каби, матбуотимиз ва унинг билан алоқа қилувчилар ҳам курт, ҳам ялпоғига курт десак, муболаға қилмасдан, беғараз ҳақиқатни айтган.. бўламиз.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

КУРТАК 1 Ўсимликнинг тана ва новдаларида бўртиб пайдо бўладиган, ривожланиб, барг, гул, шох каби қисмларга айланадиган аъзоси, бошланғич аъзоси. *Барг куртаги. Гул куртаги. Поя куртаги. Новда куртаги.* ▬ *Эрта баҳор, дарахтлар энди куртак чиқара бошлаган пайт.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шудрингда ювинган акация шохлари кўк-қизғиш тусга кириб, куртак тугишга тайёрлана бошлаган, гул экиш учун юмшатилган текис тупроқ узоқдан бахмалга ўхшаб кўринади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг ўсиб, ривожланадиган дастлабки намунаси, ривожланишидан дарак берувчи нишонаси. *Янгилик куртаклари. Келажакнинг куртаклари.* ▬ *Рустамдан кўзини узмас, чеҳраси борган сари очилиб, севги куртаклари ғунчага, ғунча эса гулга айланиб бораётгандек туюларди.* В. Ғофуров, Вафодор.

КУРТАКЛАМОҚ Куртак пайдо қилмоқ, куртак чиқармоқ (тўғри ва кўчма маънода). *Дарахтлар куртаклади.* ▬ *Ҳурматли директорда мана шу кайфият куртаклаб қолган.* «Муштум».

КУРТИЛЛАМОҚ «Курт-курт» деган овоз чиқармоқ. *Катта ўрик тагида куртиллаб беда чайнаётган отлар Аҳмадни кўриб, ердан бош кўтарди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

КУРТКА [*р.-пол.* kurtka < *лот.* curtus – калта] Олди бошдан-оёқ тугмалаб қўйиладиган калта устки кийим. *У [Ботир].. камарини маҳкам тортди-да, устидан кийган оч кўк курткасининг тугмаларини солиб олди.* И. Раҳим, Ихлос.

КУРТ-КУРТ *тақл. с.* От ёки мол ўт чайнаганда чиқадиган товушни билдиради.

Жонивор ердаги ўтни курт-курт чайнай бошлади. Ҳ. Ғулом, Машъал.

КУРЬЕР [*фр.* courrier < *лот.* currere – югурмоқ; шошилмоқ] **1** Шошилинч топшириқларни тарқатувчи, дипломатик хат-хабар ва жўнатмаларни етказиб берувчи мансабдор шахс.

2 Муассасанинг расмий иш қоғозларини тегишли жойга тарқатувчи, олиб бориб берувчи ходим.

КУСАМОҚ *с. т.* Тусамоқ; хоҳламоқ. *Мунисхон одатдагича гапни бошқа ёққа бурди: эркаланиб, ҳозир кўнгли ғўра кусаётганини айтди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

КУСТАР [*р.* кустарь < *нем.* Kunstler – моҳир, санъаткор, артист] **1** Ўз уйида бирор маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳунарманд. *Саври якка қўллик билан рўзғорда сасиб, Кустар Нурмат коллективга аралашмайди.* Ғ. Ғулом.

2 Асосан қўл меҳнати билан бўладиган ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг шундай усули. *Бу территориядаги саноат.. кустар ва ярим кустар корхоналардан иборат эди.* Газетадан.

КУСТАРИ *кам қўлл.* Оддий йўл, қўл меҳнати билан тайёрланган. *Лолахон пахталик тугмаларини тақиб олган, оёғида кустари хромдан пишиқ тикилган қора этик.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

КУСТАРЛИК 1 Кустар иши. *Кустарлик билан шуғулланмоқ.*

2 *айн.* **кустарчилик 2**.

КУСТАРЧИЛИК 1 Кустар иши, касби.

2 Бирор нарсани, маҳсулотни керакли техника воситаларини жалб қилмай, қўл меҳнати билан тайёрлаш, ишлаб чиқариш. *Инқилобга қадар Россия экономикасида кустарчилик саноати гарчи анча ўрин олиб турган бўлса-да.. у капиталистик ишлаб чиқариш билан рақобатга бардош беролмади.* Газетадан. *..машиналарни ремонт қилишдаги кустарчиликни узил-кесил тугатишлари.. лозим.* Газетадан.

КУТИЛМАГАН 1 Кутмоқ фл. мажҳ. шаклдаги сфдш. *Унинг бугун келиши кутилмаган эди.*

2 *сфт.* Тасодифий. *-Хуш келибсиз, азизим Ҳасанбек! – деди Меъмор бу кутилмаган учрашувдан ҳайратланиб..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Кутилмаган бу ҳодиса режамизнинг белига тепди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

КУТИЛМАГАНДА *рвш.* Ҳеч ўйламаган, кутмаган бир вақтда; тўсатдан, тасодифан. *Кутилмаганда онасидан айрилган қиз бечора энди бирдан Искандарга суяниб қолди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Кутилмаганда бирор чашма, кимсасиз яйлов ёки ваҳимали жарликлар қаршингизда намоён бўлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

КУТКИЛАМОҚ Жонга тегар даражада узлуксиз танбеҳ бериб, тергаб турмоқ; қистамоқ, қисталанг қилмоқ.. *Қабристондаги пайғамбарларга меросхўр шайхлар уни куткилай бериб тинчитишмагандан кейин, қори бошқа йўл – муслимларга хизмат қилишга киришади.* С. Аҳмад, Колбаса қори. *Э, сен мени куткилай берма! Жонимдан тўйде-ем!* Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. *Ҳайдарнинг куткилаб берган сўроқларига эса: -Яхши, ўзингга ёқса бўлди-да, – деб қўя қолди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

КУТМОҚ 1 Мўлжалланган нарса ёки шахснинг пайдо бўлишини, келишини ёки учрашини умид қилган, унга кўз тиккан ҳолда маълум вақт бирор жойда турмоқ; пойламоқ. *Самолёт келишини кутмоқ. Сени кўп кутдим.* ▬ *Юсуфбек ҳожи сипоҳлардан бирининг қўлтиқлаши билан отига миниб, нарида кутиб турган Ҳасаналига қараб юрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришга сабри чидамай, идорадан чиқди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Бирор нарсанинг бўлишини эътиборда тутиб, нимадандир ўзини тийиб, тўхтатиб турмоқ. *Аваз залдаги пичир-пичирлар тинишини кутиб, бир оз жим қолди-да, давом этди: -Мирзаев Чароснинг тирноғига ҳам арзимайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У Ваққос отанинг таклифини кутмай, Абдубилолни ичкарига бошлади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Аҳмаджон пулемётни.. дарҳол окоп бўйига ўрнатди ва немис пиёда аскарларининг яқинроқ келишини кутди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Келувчини ҳурматлаб, йўлига, истиқболига чиқмоқ. *Ғуломжон ҳокимни кутгани бормади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уни ҳеч ким кутгани чиқмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эрта билан вокзалга келди. Йўқ, уни кутадиган ҳам, кузатадиган ҳам одами йўқ эди. Шунчаки боши айланиб келиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Кутиб олмоқ Қарши олмоқ, қаршиламоқ. *Юбилейни яхши кутиб олмоқ.* ▬ *Дарвоза олдида ҳазрати Алишерни қўлида супурги ушлаган жиккаккина фақир бир чол кутиб олди.* Н. Аминов, Суварак. *Чойхоначи уни [Авазни] айрича илтифот билан кутиб олди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бировнинг (мас., меҳмонларнинг) кўнглини олиш учун хизматида бўлмоқ; уни зиёфат қилмоқ, хурсанд қилиш учун унга хизмат қилмоқ, кўнглини олмоқ. *Мезбон меҳмонларни яхши кутди.* ▬ *..Печакгулдек бўлиб, эрига чирмашганини кўрармиз ҳали, худо кўрсатса; бор, ўйнаб-кулиб, меҳмонларингни кут!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Ҳожи, жавоб кутмасдан:] -Қудаларингни нима билан кутишни бўлса, ўзинг биласан: туя сўйиб чорлаганингда ҳам келмайдирган кишилар! — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизнинг эшигимиз доим очиқ. Шу уйга келибманки, меҳмон кутаман.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

5 Бирор нарсанинг бўлишини умид қилмоқ, шундай бўлади деб ўйламоқ; илинжида бўлмоқ. *Яхшилик кутмоқ. Нодондан ақл кутма, бебурддан — номус.* Мақол. *Адоват уруғини сепиб, адолат мевасини кутма.* ▬ *Котиб хатни олди-ю, Элмурод кутгандек, ўқиб ўтирмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гулсум опа бунақа гапларни кутмагани учунми, саросимага тушиб, Фёдоровнага кўз ташлади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

6 *кўчма* Йўлида, ҳаёт йўлида рўпара бўлмоқ, истиқболида бўлмоқ; қаршиламоқ. *Дарҳақиқат, бизнинг қаршимизга йўлбарс чиқса, биз қаттиқ қўрқамиз, чунки бизни ўлим кутадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..деҳқонларнинг бу исёни яхшиликка олиб келмаслигини, қонун, қурол сипоҳилар қўлида эканлигини, исёнчиларни бешафқат жазо кутишини ҳам билади.* С. Сиёев, Аваз.

КУТУБХОНА [*а.* كتوب — «китоб» с. нинг кўпл. + хона] **1** Китоб, журнал ва ш. к. ни тўплаш, сақлаш ва уларни ташвиқот қилиш, ўқувчиларга фойдаланиш учун бериш билан шуғулланувчи муассаса. *Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхонаси.* ▬ *Темиржон ҳалигина кутубхонадан олиб келиб, диванга бетартиб сочиб қўйган китобларига қаради.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ёдгор шу куни тушдан кейин кутубхонага борганди.. Залда ўн-ўн беш кишидан бўлак ҳеч ким йўқ эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Тури жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ва маълум бир тоифадаги китобхонларга мўлжалланган китоблар сериясининг номи. «*Муштум» кутубхонаси. Жаҳон адабиёти кутубхонаси.*

3 Маълум шахсга тегишли кўп миқдордаги китоблар ва шу китоблар турадиган жой. *Эшикдан бош суқиб, унга салом бердида, меҳмонхона токчалари тўла китобларга бир муддат тикилиб қолди. Отаси ўзининг бой кутубхонаси билан бежиз фахрланмасди.* К. Яшин, Ҳамза.

КУТУБХОНАЧИ Кутубхонада китобларни сақлаш, ўқувчиларга бериш ва қабул қилиш вазифаларини бажарувчи шахс, ходим. *Кичкина суратни катта қиладиган фоточи келган, хоҳлаганлар кутубхоначи қизга учрасин.* С. Аҳмад, Саҳарларда.

КУФ *этн.* Дам солганда, дуо ўқиганда, беморга ёки унга бериладиган нарсага нафас уриб чиқариладиган товуш; куф-суф. *Куф демоқ. Куф урмоқ.* ▬ *-Дадам раҳматлик ҳам «куф» десалар, сувни тескари оқизиб, «суф» десалар, кўрнинг кўзини очиб юборадиган улуғ зот эдилар, — деди домла.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КУФР [*а.* كفر — динсизлик, кофирлик, исломни танимаслик; кўрнамаклик] **1** *дин.* Худони, динни таҳқирлаш. *Худо ва расулга бўлган ҳақорат куфр ва муртадлик бўлиб, кофир ва муртаднинг жазоси қатл.. эмасми?* С. Айний, Қуллар.

2 Диний, шаръий тамойилларга тўғри келмайдиган, худога хуш келмайдиган, ношаръий.

Куфр аҳли Диндан қайтганлар, динсизлар, кофирлар. *Кимки сендан юз ўгурса, эрмас ул толиби дин, Топшир ул куфр аҳлини сен қодири жабборинга.* Увайсий. *..Бандаси аввал куфр ишларни кўп қилади — қиладида, кейин бирдан дўзахни эслаб қолади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Куфр бўлмоқ Хуноб бўлмоқ, «кофирлиги» тутмоқ. *Нима бало, бирон ишдан куфр бўлиб бораётган эканми, ҳайтовур, Ёлғизжоннинг юзига тарсаки тортиб юборибди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Куфр кетмоқ** Худо ва динга қарши сўзламоқ, динга тўғри келмайдиган сўзлар айтмоқ. *Баъзи маҳаллар куфр кетишдан ҳам тоймас эди шўрлик она!*

М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Биров: «Давлатмандга давлатни худо берган, куфрга кетма», деб кампирга дакки берди, кимдир пулга мардикор ёллаётган пулдорларнинг гўрига ғишт қалади.* К. Яшин, Ҳамза. **Куфри ошмоқ** *айн.* **куфр бўлмоқ.** *Зокирнинг куфри ошиб: «Сендан яхшилик чиқмас экан..» деб яниб қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Раис йўқлигимни билса, баттар куфри ошади-да..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. **Куфри чиқмоқ** *қ.* **куфр бўлмоқ.** *Бирпас куфри чиқиб турарди-да, Абдуҳафизнинг гапларини эслаб.. фикридан қайтарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КУФРЛАНМОҚ Куфр бўлмоқ, жаҳли қўзғамоқ. *[Қоплонбек] Карта олиб, фол очарди. Фоли кўнглидагидек чиқса, хандон солиб кулар, ўнг келмаса, ерга уриб, куфрланиб, жиғибийрони чиқарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

КУФРЛИК Куфр кетиш, куфр бўлиш ҳолати. *Шу кеча-кундузда куфрлигим жудаям ошди-да.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

КУФРОН [*а.* كفران – кофирлик; кўрнамаклик]: **куфрони неъмат** *эск.* Неъмат қадрини билмаслик; кўрнамаклик. *Худой таоло нури покидан яратган сиздай фариштани қўйиб, фисқ-фужур йўлига юрмоқ куфрони неъмат бўлур эди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Бахтинг бунчалик кулган экан.. давлат қушини қўлдан учириш куфрони неъмат, болам!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КУФ-СУФ Дуо ўқиб, беморга ёки унга бериладиган нарсага дам солганда чиқадиган товушлар; дуо ўқиб, беморга ёки унга бериладиган нарсага дам солиш ва шу йўл билан даволаш. *Биргина кампир энам бор, ука. Энам кинна солишга, куф-суфга чаққон.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ялмоғиз кампир қанча беморларни «куф-суф» билан даволайман, деб ёстиғини қуритди.* Газетадан.

КУФФОР [*а.* كفّار – «кофир» с. нинг кўпл.] *Ваҳолонки, аҳли куффор ҳам ул парвардигорнинг иноятидин насибадордирлар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

КУЧ 1 Одам ва жониворларнинг ўз мускулларини ишлатиб, жисмоний ҳаракат қилиш қобилияти; жисмоний энергия; қувват. *Жисмоний куч. Мускул кучи. Эсинг борида эл тани, кучинг борида ер тани.* Мақол. ▬ *Бола кучи етса, челак судраб, етмаса, кўра кўтариб, саҳнга сув сепар.. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кимнинг билагида кучи бўлса, ким ишнинг ҳавосини олса.. ўша илғор бўлаверади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Кучдан қолмоқ Куч-мадори кетиб заифлашмоқ.

2 Меҳнат қилиш, яратиш, юзага келтириш қобилияти, иш-меҳнат. *Бир парча куйган қора нон учун Ёшлик чоғингдан ўз кучинг сотиб.* Ҳамза. [*Бойлар*].. *кўкламгача ювинди билан боқади, олти ой ёз текинга ишлатади. Одамнинг кучи эшак кучидин паст баҳога тушади уларга!* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Маънавий, ақлий ва руҳий қувват. *Ақлий куч.* ▬ *Ҳайдар ота кампирнинг ирода кучига ишонмас, шунинг учун ҳозир Асрорқулнинг унга рўпара бўлишини истамас эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Уни тўхтатиб қолишга ҳеч қандай андишанинг, ҳеч қандай севги ва ҳурматнинг кучи етмас эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

4 *физ.* Жисмларнинг ўзаро механик таъсир этиш қобилияти ва унинг ўлчови. *Марказдан қочма куч. Куч бирлиги.* ▬ *Тортиш кучи ёки, бошқача айтганда, гравитациянинг нима экани ҳозирча бирон олимга ошкор эмас.* «Фан ва турмуш».

5 Қувват, энергия. *Электростанциянинг кучи.*

6 Таъсир қилиш даражаси; таъсир. *Дорининг кучи.* ▬ *Бу кунги қора совуқ қуёш кучини-да кесган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Очлик ўз кучини кўрсатиб, уни ҳолдан тойдирган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бу лаҳзада ароқ Валижонга ўз кучини кўрсатиб қўйган эди.* «Гулдаста».

7 Тўйимлилик, қувват бериш белгихусусияти, кўрсаткичи. *Ернинг кучи. Таомнинг кучи.*

8 Бирор ишни амалга ошира билиш имкони, имконияти; ҳол-қудрат, қурб. *Унинг автомашина сотиб олишга ҳам кучи етади.* ▬ *Қамбарали акани сотиб олгани кучингиз етмаса керак. Милтиқ билан бўлмади, энди пул билан рахна солмоқчимисизлар?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

9 Бирор соҳада ва умуман ишлаб чиқаришда ишловчи кишилар. *Хотин-қизлар – корхонада катта куч.* ▬ *Бугун Ўзбекистонда биринчи марта қурилаётган металл заводига ФЗОни битирган ёш кучлар келди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Кўчиб келган заводларга қизларни юбордик: кучимиз*

озайиб қолди, вазифамиз катта, юкимиз оғир. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

10 Бирор ишни амалга оширишга қаратилган, бирор мақсад учун фойдаланиладиган шахс ёки нарсалар. *Душман десантчиларни денгизга улоқтириб ташлаш учун қўшимча куч келтирарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Хуросон тахти учун исён кўтарган Мирзо Ёдгор ҳам шу атрофда куч тўплаган эди.* Ойбек, Навоий. *[Биз] Келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан, ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик.* А. Қаҳҳор, Нутқ.

11 *(асосан кўпл. шаклида)* Ҳарбий қўшилмалар; қўшин. *Қуролли кучлар.* ▬ *Танк ва мотодивизиялардан йигирма иккитаси катта ҳаво кучларининг ёрдами билан Калинин, Орёл, Тулага қараб бормоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

12 *(асосан кўпл. шаклида)* Жамиятнинг бирор белги-хусусияти, дунёқараши ва ш. к. билан фарқланувчи қисми. *Реакцион кучлар. Синфий кучлар муносабати. Қора кучлар.*

13 *ҳуқ.* Қарор, қонун ва ш. к. нинг қўлланиши, амали, жорийлиги. *Қонун кучга кирди. Ҳукм кучда қолди. Қарор кучини йўқотди.*

Ёмоннинг кучи япалоққа етар *қ.* **япалоқ. От кучи** *физ.* Двигатель қувватининг ўлчов бирлиги. **Оғзига кучи етмаган** Тилини тиёлмай, бировлар ҳақида ғийбат, номақбул гаплар қиладиган. *Билган у деди, билмаган бу. Ҳатто оғзига кучи етмаган баъзи бировлар, юзига бўлмаса-да, орқаворатдан «нотавон кўнгилга қўтир жомашов», деб луқма ташлашарди.* С. Сиёев, Райҳон. *Қўйинг, хафа бўлманг, хола, бунга йўргакда теккан касал бу.. Оғзига кучи етмаган киши ҳар нарсани гапираверади.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

КУЧАЙМОҚ 1 Таъсир даражаси юқорилашмоқ, кучли тус олмоқ, авж олмоқ, зўраймоқ. *Оғриқ кучайди, Қизиқиш кучайди. Совуқ кучайди.* ▬ *Қўрғонда хотинларнинг, болаларнинг шовқини кучайди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ундаги безовталик авжига минган сари, кўнглида ашулага иштиёқи кучайиб борарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гавҳар аяси билан дадасини, Ғиёс акаси билан Фотима-Ҳусанларни ўйлаган сайин, баттар хавотири кучаярди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ўзига (янада) куч бермоқ; кучланмоқ. *Бунинг устига сипоҳлар яна ҳам кучайиб, оломонни Хадрага қараб суришга муваффақ бўладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Полициячи бамисоли ит бўлади, қочсанг, кучайиб, орқангдан қувлайди.* К. Яшин, Ҳамза.

КУЧАЛА 1 Гули сариқ, кўк, сафсар ўтсимон ўсимлик ҳамда унинг тиббиётда ишлатиладиган заҳарли, тугмасимон меваси. *..баққолдан яширинча олдирилган кучала кичкинагина декчада эртадан кечгача қайнайди; эрталаб унинг суви бир чойнакка солиниб, Зебихоннинг уйига олиб кирилиши мўлжалланди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Терак, тол каби дарахтларнинг тўпгули. *Улар [дарахтлар] ҳам бўртиб, кучала чиқара бошлашибди.* Т. Тўла, Тошкент уйлари.

Кучала еган жойингга бориб тириш Қилиғингни ичган (кайф қилган) жойингга бориб қил. *«Агар ичкилик ичган бўлсанг, кучала еган жойингга бориб тириш», демоқчи бўлдию, айтмади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КУЧАН *шв.* Бўйинча.

КУЧАНМОҚ 1 Бутун кучи билан кескин ҳаракат қилмоқ, тиришиб, чираниб зўр бермоқ. *Юкни кучаниб кўтармоқ.* ▬ *Ҳомид ҳануз қўлини бўшатишга кучанар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Машина, орқасидан аччиқ ҳидли қорамтир тутун чиқариб, бир кучанди-да, елиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Узун арқонларни кучаниб торта-торта, кемани соҳилга қапиштирдилар.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Ўта муболаға билан мақтанмоқ, чиранмоқ. *Бу муваффақиятдан чатнаёзган мулла Абдураҳмон кучанганидан кучанар.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳоким 25 солдатнинг кучи ўзига ўтиб қолгандек кучана бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУЧЕР [*нем.* Kutscher – аравакаш] Извош ҳайдовчи. *Хўжайинининг феълига тушуниб қолган кучер извошини беозоргина, секин жилдирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

КУЧЛАМОҚ *кам қўлл.* Қувватламоқ, маъқулламоқ. *Офтоб ойим эрининг сўзини кучлаб тушди: -Иссиғи бор, юзи ҳам қизариб, бўртиб турибдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кўпчилик Хатиб домланинг сўзини кучлаб тушгандан сўнг, у ҳам ноилож зиёфатни бўйнига олишга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

КУЧЛАНМОҚ *кам қўлл.* Кучаймоқ. *Ел борган сайин кучлана борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳомиднинг юзидаги бояги ҳолат яна ҳам кучланиб, гўё тоқатсизлангандек кўринар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КУЧЛАНИШ 1 *физ.* Электр зарядларининг силжишида, кўчишида электр кучининг ишини кўрсатувчи миқдор. *Юқори кучланиш. Паст кучланиш.* ▬ *Симлардаги кучланиш кучли эди..* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 *тех.* Қаттиқ жисмда ташқи таъсир натижасида юзага келадиган сиқилиш ёки кенгайиш ҳодисаси ва унинг катталиги.

КУЧЛАНИШЛИ Кучланишга эга *(қ.* **кучланиш 1**). *Юқори кучланишли ток.* ▬ *Паст кучланишли электр линиясини монтаж қилиш ишлари бажарилди.* Газетадан.

КУЧЛИ 1 Жисмоний қобилияти, кучқуввати нисбатан ортиқ; бақувват. *Кучли йигит.* ▬ *Мутал кучли эди, аммо Отабек ундан ҳам кучли эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сен мана шу олтинни ол.. бир кунлик нари қишлоқдан икки от ол, кучли, чопқир зотлардан бўлсин.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Ғилай одам шамни токчага қўйиб, кучли қўллари билан Аҳмад Чалабийнинг ёқасидан тутди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Соғлом ва яхши ривожланган. *Юраги кучли.* ▬ *Унинг [Гулнорнинг] хаёлида ёлғиз Йўлчигина учади, фикран у билан сўзлашади, гўё йигит.. кучли, кенг кўкрагига унинг бошини олиб эркалайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *физ., тех.* Катта қувватга эга бўлган; қувватли. *Кучли дастгоҳ. Кучли машина.* ▬ *Ҳаммаси лабораторияда кучли магнит майдон хоссаларини ўрганиш учун ясалаётган.. ғалтак яқинида турганда рўй берди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Гувуллар кучли мотор, Айланар машиналар.* Ю. Ҳамдам.

4 Иқтисодий, моддий ва бошқа жиҳатдан бақувват; имконияти зўр, қудратли. *Кучли давлат. Кучли армия. Кучли рақиб.* ▬ *Абусаид мирзонинг кучли қўшини ҳозирги пайтда Бухорога кириб келиши муқаррар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Таъсир даражаси юқори, тез таъсир қиладиган. *Кучли дори. Кучли зарб.* ▬ *Кучли далил бўлмасдан, улар билан олишиб бўлмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Алиф ва бўёқнинг кучли ҳидидан бўлса керак, бурнини жийириб олган.* «Муштум». *Қорадори анча кучли наркотик модда бўлиб, у организмга зарарли таъсир ўтказади.* Газетадан.

6 Зуҳур этиш, юз бериш даражаси юқори: қаттиқ; шиддатли. *Кучли шамол. Кучли фарёд. Кучли портлаш. Кучли хўрсиниш. Кучли тўлқин.* ▬ *Музлоқ тоғ бино бўлиб бундай кучли гулдуросни эшитмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эргашев пулемётидан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув самовардагидек варақлаб қайнар эди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

7 Ўз иш-ҳунарини яхши билувчи, қобилияти зўр; талантли. *Кучли ўқувчи. Кучли шахматчи. Кучли олим. Кучли ёзувчи.* ▬ *-Хивада кучли табиблардан шу киши қолди.. — дея Иброҳим ота Ўтар бувани мақтаб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу ерга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан энг кучли чанғичиларнинг ташриф буюриши қувончимизга қувонч қўшди.* Газетадан.

8 *с. т.* Таркибида ўғит моддалари кўп, унумдор; семиз. *Сен ҳам пахта берасан.. аммо еринг кучли, янги ер. Азот керак эмас.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

9 Ўсиш, ривожланишни тезлаштирадиган; кўп куч-қувват бағишлайдиган; тўйимли, тўқ тутадиган. *Кучли ем. Кучли овқат. Кучли ўғит.*

10 Умуман, даражаси юқори, юқори даражали. *Кучли ҳиссиёт. Кучли соғинч. Кучли ҳаяжон. Кучли қизиқиш. Кучли ҳаракат. Піринг кучли бўлгунча, билиминг кучли бўлсин.* Мақол. ▬ *Эрим қиморбоз бўлсаям, орияти кучли эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу хушҳол ва очиққўнгил аёлда кўзга яққол ташланмайдиган кучли ирода ва мустақиллик яширин эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Санжар Сиддиқовнинг таланти, ўткир бадиий тафаккури.. унинг ижодий изланишларида катта кенгликлар очиб берди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

КУЧЛИЛИК Кучга эгалик, кучи, даражаси юқорилик. *Марямхоннинг бундай ботирлигининг сабаби унинг қутулишга бўлган умидининг кучлилигидир.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Юзини пар ёстиққа қўйди. Бутун йўл бўйи номуснинг кучлилигидан тийиб келган кўз ёшига тўла эрк берди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Кучлилик қилмоқ 1) куч жиҳатдан устунлиги намоён бўлмоқ, устун келмоқ. *Рақибидан кучлилик қилмоқ.* ▬ *..Саид Жалолхон эшоннинг панд-насиҳатлари билан кўзи кўр, қулоғи кар бўлган ихлосмандлар учун ҳали ҳам унинг тангри номи билан айтадиган ҳар бир калима сўзи ҳар қандай ташвиқотдан кучлилик қиларди.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) ҳазм учун оғир бўлмоқ, оғирлик қилмоқ (таом ҳақида). *Қази солинган палов унга кучлилик қилди.*

КУЧСИЗ 1 Жисмоний қобилияти паст, куч-қуввати нисбатан оз; заиф. *-Бурнидан тортса йиқиладиган, кучсиз, хунуккина киши — баззоз Абдулхолиқбой — қошини чимириб, ингичка, хотинчалиш овози билан гапга аралашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор иш қилиш ёки ишлаб чиқариш қобилияти, қуввати бошқалардан паст, оз; қувватсиз. *Кучсиз мотор.*

3 Иқтисодий жиҳатдан камқувват, ҳолқудрати нисбатан паст, оз. *Ҳукуматга чап бериб, кучсиз хўжаликларнинг баданига зулукдай ёпишиб олган мана шунақа одамларнинг танобини тортиш керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Таъсир кучи паст; бўш. *Кучсиз дори.*

5 Зуҳур этиш даражаси паст, оз; секин ёки суст юз берадиган; заиф. *Кучсиз овоз. Кучсиз шамол. Кучсиз портлаш.* ▬ *Дўллар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кампир кучсиз хуррак торта бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ўз иш-ҳунарини яхши билмайдиган, қобилияти паст; бўш. *Тўртинчи синфнинг ҳаммаси энг яхши ўқийдиган болалар бўлса ҳам, ўқишда.. ҳамма дарслардан кучсиз, русчадан эса ҳеч тайёрламайдиган Мирзажон Латифий деган ҳам бор эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 *с. т.* Таркибида ўғит моддалари кам; унумсиз, ориқ. *Ер кучсиз бўлганидан кейин, дармонсиз танга ёпишади-да ҳар хил дард.* С. Нуров, Нарвон.

8 Кам калорияли, енгил. *Кучсиз овқат.*

КУЧСИЗЛАНМОҚ Куч-қуввати озаймоқ, пасаймоқ; заифлашмоқ. *Ўғли Тоҳиржон сил касалидан ўлгандан кейин, Шокир отанинг бели яна кўпроқ букилган, кўзлари йиғи билан яна кўпроқ кучсизланган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўл-оёғи увушиб, кучсизланиб қолган Акромхон бир илож қилиб ёпиқ вагонга кириб олди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

КУЧСИЗЛИК Кам кучга эгалик, кучи камлик. *Сиз кучсизлик қилибсиз-да, ойингиз сизни енгиб қўйибди. Аксинча, сиз ойингизга ўз таъсирингизни ўтказишингиз керак эди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *..қонунга қарши чиқиш учун лозим бўлган кучга молик эмас, бас, кучсизликнинг натижаси эса сукут эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КУЧУК [*ф.* کوچک — кичкина; майда; кичик ёшли] **1** Итнинг боласи; етилмаган ёш ит. *Ким, кучук бирлан хўтикка қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 *с. т.* Умуман ит. *Нури.. айвонга яқинлашгач, тупроққа қоришиб ётган катта, пахмоқ кучук занжирини шалдиратиб, ўрнидан турди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Итга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Ҳовли супурувчи бола сув сепмай чангитиб юборгани учун, «Аблаҳ, кучук!» деб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..Мадраймимхоннинг изидан кучуклар кўп.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КУЧУКБАЧЧА *айн.* **итвачча**.

КУШАНДА [*ф.* کشنده — ўлдирувчи] **1** Еб йўқ қилувчи, ўлдирувчи. *Мушук — сичқонларнинг кушандаси.*

2 Умуман, йўқ қилувчи. *Инсон умрининг заволи бўлган наркотик моддалар, унинг қандай тури бўлишидан қатъи назар, саломатлик кушандаси эканини унутмаслик керак.* Газетадан. *Ҳар бало, ҳар иллатнинг ўз кушандаси бор. Чўлники — сув.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КУШЕТКА [*фр.* couchette — кичик диван] Орқа суянчиғи йўқ диван. *Зикир Отажонов кабинетга кириб, кушеткага ўтирди-ю, кўзойнагини рўмолча билан арта бошлади.* «Муштум». *Солиҳ суриштиришларга жавоб қиларкан, ётоқхонага кириб, кушеткага чўзилди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

КУШОД [*ф.* گشاده ёки کشاد — очиқ, очилган, бўшатилган] **1** *эск. кт.* Очилиш, бўшаш. *Сайри гулшан бирла табъимки кушод ўлмас, нетай?* Увайсий. *Сабр билан баста эшикдир кушод..* «Ақл ақлдан қувват олади».

Кушод тиламоқ Енгиллик, юришиш (ривож) тиламоқ. *Қўлга қалам олиб, ненидир ижод қилган чоғларимда.. Қувониб ишимга тиларди кушод.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Расми кушод** Очилиш маросими. *Бултур, Москвадаги собиқ Бухоро билим юртида «кулуб» очилатурғон бўлиб, расми кушодга.. таклиф қилинган эдилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Бутунлай, роса. *Мен уни кўрмаганимга кушод уч ой бўлди.* ▬ *Ўйнатиб остида отни, зўрлиғин кушод билдирди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Баччағарнинг қилиб юрган ишидан кушод бехабар эканмиз-да.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Оёғини кушод кўтариб, Аччиқланиб бу мард отди.* «Эрали ва Шерали».

КУШОЙИШ [*ф.* گشایش – очиш, очилиш; ҳал қилиш] *кт.* Бирор қийин ишнинг осон ҳал бўлиши, енгил битиши. *Сизга кушойиш, бизга барака билан сабр берсин.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *-Эй худо, ишимни ўзинг кушойишини бер, – деганича жўнай қолди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

КУШХОНА [*ф.* کش – ўлдирувчи < کشتن «ўлдирмоқ» фл. ҳоз. зам. шакли + хона] Чорва молларини сўйиш, гўшт-ёғ тайёрлаш билан шуғулланувчи корхона. *Бибигул, кушхонага судраб олиб кетилаётган эчкидек, аъзойи бадани титраб, аранг қадам ташларди.* Мирмуҳсин, Чўри.

КУЮК 1 Пиширилган, қовурилган нарсанинг куйган жойи, куйган қисми. *Куюк кулча.* ▬ *Кеча кечқурун Грасиано.. пўчоқ ва нон куюклари билан қорнини тўйғазди.* Ё. Шукуров, Грасиано.

2 Куйиш натижасида ҳосил бўлган яра, жароҳат; куйган. *Қурум босган деворлар тагида қулаб ётган куюк ёғочларни у ёқ-бу ёққа суриб кўрди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Унинг куюк сочсиз боши, яримта юзи жизғанак бўлиб, шилвираб турар.. эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *айн.* **куйинди.** *Офтоб тиккага келган, йўл чанги, ёнғин, куюк, дуд иси томоқларимизни қақратган эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Шабада куюк исларини ҳам тарқатиб юборди.* А. Мухтор, Чинор.

4 *кўчма с. т.* Доғ-алам, дард-ғам; аламли, куйган. *Ҳар куюкка кўнар одамнинг боши.* «Гўрўғли». *Боласини кўриб, куюклари кетди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Энди солма кўп доғингни, Куюк жисмим жон ўртар.* Ҳамза.

КУЮНДИ *қ.* **куйинди.**

КУЮНМОҚ *қ.* **куйинмоқ.**

КУЮНЧАК *қ.* **куйинчак.**

КУЯ I Қурти юнгли матоларни кўримсиз, яроқсиз ҳолга келтирувчи, дон ёки ўсимликларни нобуд қилувчи кичкина капалак. *Йигит.. Муҳаммад Жамолнинг куя еган эски қоракўл папахини қозиқдан олиб, бинт устидан бошига бостириб кийди.* Ойбек, Нур қидириб. *Гиламни ҳам адо қилур кичик бир куя.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

КУЯ II Нарсаларнинг куйишидан, ёнишидан ҳосил бўладиган майда қора зарралар; қоракуя; қурум. *Қозонга яқин юрсанг, куяси юқар.* Мақол. ▬ *-Қўлимга тушганда, юзига куя суриб, эшакка тескари миндирар эдим-да, бозорнинг ўртаси билан ҳайдаб, тўппа-тўғри қозининг ҳузурига олиб борар эдим, – деди Халфа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУҲ *тақл. с.* Бирор нарсани, мас. қўлни иситиш учун унга қаттиқ пуфлаганда чиқадиган товуш.

КУҲЛАМОҚ «Куҳ» деб нафас чиқармоқ (одатда қўлни иситиш учун шундай қилинади). *-Бугун совуқ ҳам аччиққина, – деди қўлларини куҳлаб Анзират.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КЬЯТ Мьянма (Бирма)нинг асосий пул бирлиги.

КЮРИЙ [*лот.* curium < *фр.* Curie – эр-хотин Пьер Кюри ва Мария Склодовская-Кюри фамилиясидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушсимон радиоактив металл.

КЎГАН *шв.* Қўзи-улоқлар қатор қилиб боғлаб қўйиладиган (қўй-эчкини соғишда ишлатиладиган) илмоқли арқон; чилвир. *[Баҳромгулнинг] Орқасидан беклар келиб, кайвони билан Гулнорни ҳайдаб келиб.. ҳаммасини кўганга боғлаб, қул бозорида қатор қилиб тизди.* «Зулфизар билан Авазхон».

КЎГАНЛАМОҚ *шв.* Кўган билан боғламоқ. *Карим ака қорамолларни жой-жойига боғлади, эчкиларни кўганлади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Бўрининг онаси қўй-эчкиларни кўганлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КЎЗ 1 Тирик мавжудотнинг кўриш аъзоси. *Кўз косаси. Кўз оқи. Кўз қорачиғи. Қора кўз. Кўк кўз. Хумор кўз. Аяган кўзга чўп тушар.* Мақол. *Қарға қарғанинг кўзини*

чўқимайди. Мақол. *Кўз қўрқоқ, қўл ботир.* Мақол. ▬ *Мастон, унга эътибор қилмай, отнинг тумшуғидан кўтариб, унинг очиқ қолган кўзларига қаради.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Гавҳар ўртадаги симёғоч учида осилиб турган лампочка ёруғидан қамашган кўзларини кафти билан пана қилиб, ёғоч зиналардан чиқиб келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўзи ёшли одамни Кўзим асло кўрмаса.* Шуҳрат.

Кўз гавҳари *анат.* Кўз қорачиғи остида икки томони қавариқ линза шаклидаги тиниқ танача. **Кўз кўриб (***ёки* **кўрмаган), қулоқ эшитмаган** Бутунлай номаълум (нарса, жой ва ш. к. ҳақида). *Бирдан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир жониворни кўргандек, ҳайрон бўлиб, секин ўрнидан турди.* «Гулдаста». *Ўрис табиб Ачахоннинг қорнини ёрар эмиш.. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган касофат иш.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз нурини тўкмоқ** Кўз қувватини сарфламоқ (ўқиш, ёзиш, тикиш каби ишларга нисбатан). -*Мен.. йигирма йил халифа учун кўз нури тўкиб ишлабман — деди Чоргул биби.* С. Айний, Қуллар. **Кўз олди** *ёки* **кўз ўнги** Кўз кўриб турган, кўриниб турган майдон, фазо. *Ҳамманинг кўз(и) олдида.* **Кўз қири билан қарамоқ** Кўзининг бир чеккаси (ён томони) билан қарамоқ. *Гавҳар кўзи қири билан Зулайҳога, кейин Абдухалилга қаради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўз қисмоқ** Бирор нарсани билдириш, ишора қилиш учун кўзини (одатда, биттасини) юммоқ (қисмоқ). *Муллажон амаки «қиҳ-қиҳ»лаб кулиб, кейин менга қараб, кўзларини қисдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Жияним менга кўз қисиб, «қўяверинг» дегандек ишора қилди.* «Гулдаста». *Гарчи йиғилганлар орасида луқмаларга битта-яримта кўз қисишиб ўтирганлар бўлса ҳам, кўпчиликнинг бошлари эгик эди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Назар, нигоҳ; қараш. *[Кумушнинг] Кўзлари ўйнагувчи қизларда бўлса ҳам, ҳақиқатда бошқа бир нарсани кўргандек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гулнор бузуқ қиз бўлса, кўзимиздан узоқроқ жойга йўқолгани яхши.* Ойбек, Танланган асарлар. *Зулфизарни эса одамларнинг ёмон кўзларидан олтинларни яширгандай яширасан.* К. Яшин, Ҳамза. *Мансур ҳамон индамас, кўзларини бир нуқтадан узмас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Кўз олди (*ёки* **ўнги) қоронғилашмоқ** Кўзи хира тортиб, кўролмай қолмоқ (бирор таъсир натижасида). *Ёдгорнинг кўз ўнги қоронғилашди-ю, йиқилиб кетмаслик учун, стул ўриндиғини чангаллаб олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўз ташламоқ** Қарамоқ, назар солмоқ. *У ёқ-бу ёққа диққат билан кўз ташлади-да, зинадан оҳиста юқори кўтарилди..* К. Яшин, Ҳамза. *Моҳим кўз ташлаб, бир кўришда юраги жиз этди.* «Гулдаста». **Кўз тикмоқ** Тикилиб қарамоқ, интизор бўлмоқ, қарамоқ. *Катта хотинлари.. йўлига кўз тикиб.. ўтирганликларини бойвачча хаёлига ҳам келтирмас эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Меҳри унинг қўлини маҳкам қисиб, юзига кўзини тикиб қолган эди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз тутмоқ** Кутмоқ. *Келасиз деб кўз тутдим, бўлмади хабар.* Ғайратий. **Кўз узмаслик** (*ёки* **олмаслик**) Тикилган ҳолда, кўзини олмай қарамоқ. *Яхши бўлди, деб ўйлади Мансур, ундан кўз узмай..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳаёт то уйга кириб кетгунча, Ғуломжон кўзларини олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўз уриштирмоқ** Бир-бирига қараб олишмоқ. *Саксон ёшлиги нишонланаётган куни устозим бегона бир кампир билан кўз уриштирибди, ўша кампир бир қучоқ гул келтирган экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Кўз югуртирмоқ** Тезгина кўриб (қараб) чиқмоқ. *Йўлчи атрофига кўз югуртириб, қизга томон икки-уч қадам босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Назирий уни [қоғозни] буклоғидан очиб, кўз югуртирди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзга ташланмоқ** Кўринмоқ. *..узоқда чўққилар кўзга ташланар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўздан кечирмоқ (***ёки* **ўтказмоқ)** Бир чеккадан қараб, кўриб чиқмоқ; назардан (эътибордан) ўтказмоқ. *Қўлёзмани кўздан кечирмоқ.* ▬ *Ҳамза: «Буларнинг гуноҳи нима?» деган маънода ёнида «Садойи Фарғона»нинг бугунги сонини кўздан кечириб ўтирган Олчинбекка қаради.* К. Яшин, Ҳамза. *Қурбон ака-укалари, хеш-ақраболарини хаёлан кўздан ўтказди.* Й. Шамшаров, Тошқин. **Кўздан қочирмоқ** 1) қаёққа кетганини билмай қолмоқ, қорасини йўқотмоқ. *Кимда гумонинг бўлса, кўздан қочирма, изига туш.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) назар-эътибордан четга олмоқ; яширмоқ. *Бу жанжаллар бир ёқли бўлгунча, уни кўздан қочириб туриш*

керак. **Кўзи тушмоқ** Кўрмоқ, кўриб қолмоқ. *Абдуқодирбой бу пайт болалар ичидан ўғлини қидирарди. Унга кўзи тушди-ю, сўроққа тутди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Кўриш қобилияти. *Кўзи хира. Кўзи ўткир. Кўзи ожиз. Кўзи яхши эмас.* ▬ *Бир вақтлар дўппи тикдим, кўрпа қавидим.. энди ундай ишларга кўзим ўтмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёзувчининг кўзи ҳам, димоғи ҳам, қулоғи ҳам ҳеч кимникига ўхшамайди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Кўздан қолмоқ 1) кўриш қобилиятини йўқотмоқ, кўрмайдиган бўлиб қолмоқ; 2) кўзни ишлатавериб, қарайвериб толиқтирмоқ. *Кечалари кўздан қолиб тиккан дўппингни ўзинг киёлмайсан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Кўзни олади** Кўзга қаттиқ таъсир қилади, кўзни қамаштиради (нур, жилвали нарсалар ҳақида). *Кўзинг олур — ипаклари тиллодан.* Т. Тўла. *Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Баъзи нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб, кўзга ўхшаб кетадиган қисми, бўлаги. *Деразанинг кўзи. Ёғочнинг кўзи. Булоқнинг кўзи.*

Тиззанинг кўзи Тизза бўғими — сон суягининг болдир суяги билан бирлашган жойидаги, тизза қопқоғи остидаги чуқурча. *Юраги гупиллаб урар, шамолдан қулоқлари шанғиллар, тиззасининг кўзи муздай ерга тегиб турганини сал-пал сезарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Узукнинг кўзи** Узукка қўйилган ялтироқ тош. **Хуржуннинг кўзи** Хуржуннинг нарса солинадиган ҳар бир бўлаги.

Ақли кўзида Ақл билан иш тутмаслик, кўзга ёққанини, маъқул бўлганини қилишга нисбатан қўлланади (асосан, ёшлар ҳақида). *Ақли кўзида бўлган бир хумса савлатимга пўрт учди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Бошга тушганини кўз кўради** Ҳаётда (тақдирда) юз берган нарсага чидашлик, бундан бошқа илож йўқлик маъносини билдиради. *Бошга тушганини кўз кўради.* Т. Ашуров, Оқ от. **Дунё кўзига қоронғи** Дунёдаги ҳеч нарса кўзга кўринмаслиги, эътиборсиз, аҳамиятсиз ҳолатда бўлишини билдиради. *Талъат биринчи курсданоқ Ҳамида деган қизни севиб қолган, шу қиз бўлмаса, дунё кўзига қоронғи, бемаъни кўриниб кетарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ёмон кўз** 1) хурофий тушунчага кўра, зарар-заҳмат, мусибат келтирувчи назар, қараш. *Лутфинисо дам ўтмасдан келиб, гоҳ «ёмон кўздан сақласин» учун, исириқ тутаттирар, гоҳ қизини қучиб йиғлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Яна айтаман, фақат эҳтиёт бўл, ёмон кўздан ўзи асрасин.* Т. Ашуров, Оқ от; 2) ёмон, бузуқ ният. *Ўз қадрини билган хотинга эркак киши ёмон кўз билан қарагани ботинолмайди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Жонини кўзига кўрсатмоқ** Ўта азоб бермоқ, қийноққа солмоқ. *Умар полвон бош эгмади.. Эргашга қараб ғоз тураверди. -Ислом, мен бу итнинг вангиллашини эшитмоқчиман, жонини кўзига кўрсатиб қўй, — деди ғазабдан кўзининг пахтаси чиқиб кетган Эргаш.* К. Яшин, Ҳамза. **Ишнинг кўзини билмоқ** *қ.* **иш.** *Ишнинг кўзини биладиган қариндошларимдан бирининг ҳузурига бориб, ўғлимга муносиб енгилроқ иш топиб беришларини илтимос қилдим.* «Муштум». **Кўз бўямоқ** Ўз фойдаси учун алдаб, лақиллатиб, бўлган воқеа-ҳодисани нотўғри кўрсатмоқ; алдамоқ. *Меҳмонлардан бири, ёш болаларни тўплаб, шеър ўқиб бераётган бир жувонга таъна қилди: -Мусобақада кўз бўяш билан ютган экансиз-да, Тўтихон!* А. Қаҳҳор, Мирзо. **Кўз(ни) олайтирмоқ** *қ.* **олайтирмоқ. Кўз остига** (*ёки* **тагига**) **олмоқ** Ўзиники қилиш, фойдаланиш ва ш. к. мақсадда мўлжаллаб қўймоқ. *Содиқжон бойвачча «уч таноб ер, катакдек чорбоғ»ни анчадан бери кўз остига олиб юрар, лекин буни Пўлат отага айтишга юзи чидамай келар эди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз очиб кўрган** Биринчи никоҳ қурган (биринчи эр ёки биринчи хотин). *Норжон она Бойдода муаллимнинг кўз очиб кўргани.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бу молу давлатнинг барчасини ўша кўз очиб кўрганининг битта ҳаром тукига олмайди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз очиб юмгунча** Жуда тез; бир лаҳзада (вақт ҳақида). *Тўнтариш кўз очиб юмгунча юз берди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўша кўз очиб юмгунча ўтган вақтларда Аъзамжон Дилдорнинг ҳуснига ҳам, шўхлигига ҳам тўёлмай қолганди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Кўз очирмаслик** Ҳадеб дўқ-пўписа, таъна-маломат қилавериб, тинчлик бермаслик, эркин ишлашга, яшашга йўл бермаслик. **Кўз таниш** *қ.* **таниш 3. Кўз тегмоқ** Хурофий тушунчага кўра, бировнинг назари тушиши сабабли оғримоқ, зиён етмоқ. *Тўққиз қанотли, гул-*

дор керагали оқ уйнинг тепасида қўчқор шохи осиғлиқ.. Аллонхўжа уни хонадонимга кўз тегмасин, деб ирим қилиб осган экан. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Сен билмайсан, болам, бизга кўз тегди.. хонадонимизга шайтон оралаб қолди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз юммоқ** *қ.* **юммоқ. Кўзга дори** Жуда қадрли ва кам топиладиган, камёб нарса ҳақида. *Тирикчилик қийин, қумалоқ ҳам кўзга дори.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўзга илмаслик** *айн.* **назарга илмаслик** *қ.* **назар.** *Аё тўрам, айтмагунча билмадинг. Ё билмайман, бизни кўзга илмадинг.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. **Кўзга ишонмаслик** Кўраётган нарсаси ҳақиқат эканига, ҳақиқатда ҳам шу, шундай эканига шубҳа билан қарамоқ; ўта ҳайрон бўлмоқ. *У [Ўрмонжон] икки қўлида учтадан олтита чойнак кўтариб, ҳовуз бўйидаги чойхўрлар олдига кетаётган Сидиқжонни кўриб, худди кўзига ишонмагандай, туриб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўзга кўринган** Маълум ва машҳур; таниқли, номдор (донгдор). *Кўзга кўринган олим.* **Кўзга суртмоқ** Ортиқ даражада қадрламоқ, эъзозламоқ. **Кўз(и)га чўп солмоқ** Билдирмай ёмонлик қилмоқ (одатда, ўз кишиси, яқинларига нисбатан). *-Ҳазилингни қўй, болам, кўзга чўп солиб бўладими! — деди мулойим Зеби хола..* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. *Фалончининг авлоди, деб кўзимга чўп солишмоқчи бўлишди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Кўзга яқин** Ҳусни, кўриниши ўзига жалб қиладиган (асосан, ёш ўғил-қизлар ҳақида). *Қўқоннинг кўзга яқин ўғил-қизларини отларига ўнгариб чиқиб кетишди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзда тутмоқ** Мўлжал қилмоқ, назарда тутмоқ. *Гектаридан кўзда тутилганидан кўпроқ дон ва кўкпоя олинди.* Газетадан. **Кўзи етмоқ** Ишончи комил бўлмоқ. *Отамурод охири кийик оёққа тура олмаслигига.. кўзи етиб, ўрнидан турди-да, пичоғини қинидан чиқариб, Султоновга узатди..* М. Мансуров, Ёмби. *Умрида қалбакилик нималигини билмай ўсган қиз учун ёлғон билан тил топишиш қийин эди. Бу вазиятда яшай олмаслигига кўзи етди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Кўзи ёримоқ** Бўшанмоқ, туғмоқ. *Ўғил муборак бўлсин, болам! Ҳозиргина кўзи ёриди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўзи илинмоқ** (*ёки* **кетмоқ**) Уйқуга кетмоқ, ухлай бошламоқ. *Ҳожи хола кўзи илиниб, энди хуррак ота бошлаган эди, Тўрахон гап қотиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Энди кўзи илинди дегунча, замбилда бемажол ётган ҳалиги боланинг нурсиз башараси.. кўз олдига келар эди-да, уйқусини қочириб юборарди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи мошдек очилмоқ** Ақли жойига келмоқ, аҳволни яхши (тўғри) фаҳмлайдиган ҳолга келмоқ. *Ҳалигина «отиш, қириб ташлаш керак», деб бу кучни менсимаётган Китаевнинг кўзи мошдек очилиб, аҳволнинг ниҳоятда мураккаблигини фаҳмлади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи оч** Бори билан қаноатланмайдиган, тўймайдиган. **Кўзи очилмоқ** Ақли жойига келмоқ, ўйлаб иш қиладиган бўлмоқ. *..қўшнимни бир карра танқид қилайлик, интил, илмингни бойит, дейлик. Интилмаса, ўзидан кўрсин, иши чиппакка чиққанда, кўзи очилади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мендан хавотир олманг, оға, аччиқ-чучукни тотиб, кўзим очилиб қолган.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Кўзи очиқ** 1) ишнинг моҳиятига тушунадиган; яхши-ёмонни фаҳмлайдиган. *Яраларимизга, дардларимизга малҳам қидирган ва оламдан хабардор, кўзи очиқ одамларимиз бор. Юрт қайғусига улар чора кўради.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ўлмаган, ҳаёт. *..худога минг қатла шукур, кўзим очиқ пайтда қизгинамнинг тўйини кўрадиган бўлдим.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Кўзи очиқ кетмоқ** *с. т.* Дунёдан армон билан, мақсадига етолмасдан ўтмоқ. **Кўзи пишмоқ** Бирор иш-фаолиятда катта малака (кўникма) ҳосил қилмоқ, ўзиники қилиб юбормоқ. *Бойдода муаллим бошлиқ қурилиш ишида кўпдан кўзи пишиб кетган кексалар ёшларга маслаҳатгўй.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Эрларининг ҳар бир хатти-ҳаракатлари маъносини улар билишади, бунга уларнинг кўзлари пишиб кетган.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи тинмоқ** *қ.* **тинмоқ**. *..боши айланиб, кўзи тиниб, ерга йиқилди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи тор** Ўзгага ҳеч нарсани раво кўрмайдиган; зиқна, бахил. *-Ўзлариям ўлгунча кўзи тор, зиқна, — деди Латип.* Ғ. Ғулом, Шум бола. **Кўзи тўрт (бўлмоқ)** Йўлига интизор. *Шукур, ўғлим, шукур, келдингми? Сени келади, деб ойинг иккаламизнинг бир ойдан бери кўзимиз тўрт.* Ҳ. Аҳмар, Ким хақ? **Кўзи ўйнамоқ** Ҳаваси келмоқ. *Ўртоқлари кўриб, кўзлари ўйнади.* **Кўзи қаттиқ** *с. т.* Кишига тикилиб қарайдиган, уялмайдиган, ҳаёсиз. *Бироқ қиз қурғур ота-онасига ўхшамайдида: кўзи қаттиқ, тили тез, димоғдор қиз*

бўлибди. Ойбек, О. в. шабадалар. **Кўзи қиймаслик** Беришга, бахридан ўтишга ачиниш, кўнгли бўлмаслик. *Манови кучукни ўлдиришга кўзим қиймай турибди. Қарамайсанми, чиябўридай ёпишиб олганини.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Кўзга иссиқ кўринмоқ** *қ.* **иссиқ.** *Халидан бери тикиламан, кўзимга иссиқ кўриндиз, сўраганнинг айби йўқ, дейишади, қаердансиз?* С. Кароматов, Олтин қум. **Кўзига кўринмаслик** Эътибордан йўқолмоқ. *Ачахоннинг жони ҳам унинг кўзига кўринмади-ку... Ўлимига рози бўлди унинг.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзингга қара** «Ҳушёр бўл», «эҳтиёт бўл», «бошқа ёққа чалғима», «алахсима» маъноларида ишлатиладиган ибора. **Кўзини ёғ босмоқ** Унча-мунчани, ҳатто танишларни ҳам танимайдиган (назарга илмайдиган) бўлмоқ. *Мен кўзини ёғ босган бандаларга эланмайман, арзимни худога айтаман.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзини шамғалат қилиб** Чалғитиб, кўрмайдиган ҳолатга солиб. *Тонг отар пайтда, «тўртинчи»ларнинг кўзини шамғалат қилиб, тўқайзор ичидан йўлга чиқишлари лозимлигини тайинлади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзининг оқу қораси** Энг яқин кишиси, яккаю ёлғизи (кўпинча фарзанд ҳақида). *Наинки битта шу қизи деб умрини ўтказса, кўзимнинг оқу қораси деб авайласа.. ўстирса-ю, у юзига тик қараса.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Отамнинг ҳам, онамнинг ҳам биттаю битта кўзининг оқу қораси мен эдим.* Ғ. Расул, Адолат. **Кўзининг пахтаси чиқмоқ** Ўта даражадаги ғазаб, ҳаяжон ва ш. к. таъсирида кўзи ола-кула бўлмоқ. *-Ислом.. жонини кўзига бир кўрсатиб қўй, — деди ғазабдан кўзининг пахтаси чиқиб кетган Эргаш.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўргани кўзи йўқ** Жуда ёмон кўради, ҳатто кўришни ҳам хоҳламайди. *Улар ўша дума сайловидан кейин сизни кўргани кўзлари йўқ, ҳатто жонингизга қасд қилишдан ҳам тойишмайди.* К. Яшин, Ҳамза. *Аслида уларни унча хушламайман, кўргани кўзим йўқ.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Қош қўяман деб, кўз чиқармоқ** Зарар-зиён, шикаст етказадиган ишни қилиб қўймоқ. *Мен ҳазиллашган эдим. Лекин қош қўяман деб, кўз чиқаришимни ўйламаган эканман.* К. Яшин, Ҳамза. **Қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис** «Ён-атрофингдагиларга қараб, ўшаларга хуш келадиган қилиб иш тут» маъносида ишлатиладиган мақол.

КЎЗА Сув солиш, ташиш учун ишлатиладиган қорни кенг, бўғзи ингичка, бир томонида дастаси бор идиш. *Сув келтирган хор-зору кўза синдирган азиз.* Мақол. ▬ *Сопол кўза бир зумда синиб, сувлари ерга сингди, мис кўза эса терлаган қўлдан чиқиб кетди-ю, тошдан тошга урилиб, пастга юмалади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳар куни эрта билан икки меш сувни «Чашмаи Ҳизр»дан олиб келиб, бирини Меъмор хонадонидаги, иккинчисини ўз кулбасидаги мис кўзаларга тўлдиради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КЎЗАНАК *кам қўлл.* Кўзга ўхшаш тешик. *Асалари ининининг кўзанаклари.* ▬ *-Мен бечоранинг тилим ғулдураб, арз-ҳол қилдимки, мени ҳам шу ҳалқаи илоҳийга [қаландарликка] бир кўзанак занжирдай тиркаб, қаландарбаччаликка қабул қилсалар экан, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КЎЗБОЙЛОҒИЧ *с. т.* Ҳар хил сеҳр ишлари, найрангбозликлар кўрсатувчи; найрангбоз, фокусчи. *Бу ерда [Ҳиндистонда] масхарабозларни, кўзбойлоғичларни, илон ўйнатувчиларни кўрасиз.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

КЎЗБОҒЛОВЧИ *айн.* **кўзбойлоғич**.

КЎЗБОҒЧИ *шв.* **кўзбойлоғич**.

КЎЗБЎЯМАЧИ Ўз фойдаси учун маълумотларни, бўлган воқеа-ҳодисаларни бузиб, нотўғри кўрсатувчи, бошқаларни алдовчи, алдоқчи. *Ёки шундай усул билан бюрократни ҳам, порахўрни ҳам, кўзбўямачи-қаллобни ҳам даволаб бўлмасмикин?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК Кўзбўямачига хос иш, хатти-ҳаракат. *Очиқ ҳаракат қилишга эса халқдан қўрқадилар. Писмиқлик билан, кўзбўямачилик билан иш кўрадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўзбўямачилик билан кун кўрадиган текинхўр кампир беморни йўлдан уриб, врачга боришга маслаҳат бермаган.* «Муштум».

КЎЗГУ 1 *кт. айн.* **ойна 3, 4.** *Ўрнидан туриб, кўк шойи парда тутилган дераза ёнидаги бўй баравар келадиган кўзгу олдига келди.* С. Абдуқаҳҳор, Нусхаой. *..ёлғиз Шаҳзодахонгина.. бир қўлида кўзгу, бир қўлида бўйрачўп: ўсма қўйиб, ўз ҳусну латофатига маҳлиё бўлиб ўтирарди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Умуман, бирор нарсани акс эттирувчи, ифодаловчи нарса. *Кўз юракнинг кўзгуси бўлса, нутқ — бошдаги фикрнинг мезони. Буни Элмурод яхши билар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳа, меҳнат чиндан ҳам ҳаёт кўзгу-*

си, унда инсон ўз фаолиятининг кундалик маҳсулини кўради. Газетадан.

КЎЗДАЙ, -дек 1 Кўзга ўхшаш, кўз каби. *Узукларга солинган кўздай бўлди Ойчинор.* «Ойсулув».

2 (*баъзи сўзлар билан*) Жуда яқин муносабатли. *Кўздай қўшнилар, қиёмат кун қўшнидан, деган. Айтинглар, отам сизларга нима ёмонлик қилганлар?* К. Яшин, Ҳамза. *-Кўздек оғайнисиз, Омон. Бундай бир-биримизни алдаб юришимиз яхши эмас, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КЎЗИКМОҚ Хурофий тушунчага кўра, ўзганинг ёмон назари таъсир этмоқ; шундай назар таъсирида оғримоқ, салбий ҳолат юз бермоқ; кўз тегмоқ (*қ.* **кўз**). *Исириқ солиб, ҳазрати Баҳовуддинга ўн битта кулча атаб қўй, болам. Қизинг кўзиккан, ҳа, ёмон кўз оралаган..* Мирмуҳсин, Меъмор. *[Бўри қора:] Эй, мунча кўп тикилма, қассоб! Иримсиримга ишонмайман-у, сенинг кўзинг бор дейман-ов. Шу жонивор кўзикиб қолса, ўяман шу пўстакдаги тешикларингни.* «Гулистон».

КЎЗ-КЎЗ: кўз-кўз қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Бошқаларни қизиқтириш, ҳавасини келтириш учун мақтаниб кўрсатмоқ; намойиш қилмоқ. *Аҳмад дафтарини, Меҳри гулдастасини, Қўзибой расмларини кўз-кўз қилмоқда эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сенинг жиндек ишингни ҳам кўкка кўтариб мақтасалар, кўз-кўз қилсалар.. газетада суратларинг чиқса.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кўз олдимдан ўтар асрлар, Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.* А. Орипов.

КЎЗКЎЗЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **кўз-кўз қилмоқ** *қ.* **кўз-кўз.** *Дилшод китобни Тўтиқиздан қочириброқ кўзкўзлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎЗЛАМОҚ 1 Бирор нарса ёки мақсадни кўзда тутмоқ, мўлжалламоқ ва ўшанга эришиш учун ҳаракат қилмоқ. *Тинчини кўзламоқ. Давлат манфаатини кўзламоқ. Маҳсулот чиқаришни кўпайтиришни кўзламоқ.* ▬ *Жўрабек кўзлаган мақсадига етди азамат..* Мирмуҳсин, Қуламас қоя. *Оқилахон опа, ишнинг фойда чиқадиган томонини кўзлайверганингиз маъқул.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Олисни *(ёки* **узоқни) кўзламоқ** Кейин келадиган натижани, оқибатини ўйлаб, шу нуқтаи назардан иш тутмоқ. *Эшон олисни кўзлайди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Саралаш, танлаш катта мақсад, узоқни кўзлаб қилинади.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

2 Мўлжалга, нишонга олмоқ, мўлжалламоқ, пойламоқ. *Ҳозир бўш келсам, мени кўкраги билан итариб юборадиган. Агар тегса, мен ҳам тушираман, деб лунжини кўзлаб турибман.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Кўздан кўзлаб отгайсан, Ёй тортгин, Шодмон мерган!* «Гулнорпари».

КЎЗЛИ (*аниқловчи сўзлар билан*) **1** Кўзи бор. *Қора кўзли. Катта кўзли. Қисиқ кўзли. Шиша кўзли одам.* ▬ *Мирёқубдай қора ва чиройли кўзли.. озода ва ширин сўзли эркакни қайдан топиб бўлади?* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Кўзга ўхшаш тешиги, изи ёки ўрни бор. *Майда кўзли тўр. Олти кўзли дераза. Кўп кўзли тахта. Бриллиант кўзли узук.* ▬ *Гулнор оддий қизил тош кўзли кумуш узукни чўнтагидан олиб, Унсинга кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Нарсаларнинг моҳиятига тушунадиган, биладиган; кўзи ўткир. *Шокиржон ака бирда бу бозорга иши тушмаган одам бўлганлиги учун, алданиб қолмайин деб, бозордан «кўзли»роқ таниш одам қидирди.* С. Абдулла, Дами чиқиб кетди. *Кейин [академик] Меликўзига қаради: -Кўзли деҳқон экансан, укам. Тан бердим.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. *-Ҳа, энди қиш чиқди, — дейишди кўзли деҳқонлар. — Эртадан экин-тикин пайига тушиш керак.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

4 *с. т.* Кўз-назари ёмон таъсирли, кўзи тегадиган, «кўзи ёмон». *Кўзли одам қаттиқ тикилса, отдан қулатади.*

КЎЗМУНЧОҚ «Кўз тегмасин» учун (одатда, ёш боланинг қўли, кийими ва ш. к. га) тақиб қўйиладиган мунчоқ. *Бола эмиб тўйиб, чачвон тагидан чиқди, унинг тумор ва кўзмунчоқ тақилган қизил дўпписи тагидан кокили диккайиб чиқиб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Шу замоннинг қизлари ҳаммасини қўйиб, кўзмунчоқ тақармиди?* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан.

КЎЗОЙНАК Одатдаги меъёрда кўриш ёки кўзни ҳимоя қилиш учун тақиладиган, иккита шиша кўз ўрнатилган махсус асбоб; ойнак. *Сақлагич кўзойнак. Кўзойнак тутмоқ.* ▬ *Кўзойнак тутиб олиб, сандалнинг бир четида алланарса ямаб ўтирган Хосият буви Адолатни кўриб ҳайрон бўлди.* С. Зуннунова,

Гулхан. *У қора кўзойнагини олмай, кўкрагини ғоз қилиб ўтирарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

КЎЗОЙНАКЛИ Кўзойнак таққан, кўзойнаги бор. *Кўзойнакли киши.* ▬ *Абдишукур манглайи тиришган, кўзойнакли.. орикқина киши.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кадрлар бўлимидаги кўзойнакли чол «ҳужжатларинг чала экан», деб хархаша қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Кўзойнакли илон *зоол.* Бўйнининг орқа томонида кўзойнакка ўхшаш ҳалқасимон доғи бор, йирик заҳарли илон; кобра.

КЎЗСИЗ 1 Кўзи йўқ, кўрмайдиган; кўр. *Кўзсиз одам. Тузсизни кўзсиз ҳам билади.* Мақол.

2 Кўзи, тешиги, бирор нарсанинг ўрни, изи йўқ. *Кўзсиз тахта.* ▬ *Ҳатто бўш уйларнинг кичкина кўзсиз деразаларига ҳам боқишга ботинмасдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

КЎЗ-ҚУЛОҚ : кўз-қулоқ бўлиб турмоқ Қараб, эшитиб, кузатиб турмоқ; пойлаб турмоқ. *Ўрмонжон тўсатдан келиб қолди. Унинг келганини на Қурбон ота пайқади, на кўз-қулоқ бўлиб турган Сидиқжон.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Акам Қобил карвонни «дарвозага кўз-қулоқ бўлиб туринг», деб эшикка чиқариб юборди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

КЎЙ [*ф.* کوی – кўча, йўл; қишлоқ, маҳалла] **1** *эск.* Кўча; йўл. *Юсуфбек ҳожи, то Эскижўвага етгунча, ўзининг юқоридаги сўзини кўй, гузар халқига такрорлаб келмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 (*ў. -п. ёки ж. к. шаклида* – **кўйига, кўйида**) Бирор нарса дарди, савдоси, ҳаракати. *Ниманинг кўйида юрибсиз?* ▬ *Дўсмат тирикчилик кўйига тушди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу ухлагувчи менинг ҳалол рафиқам бўлиб, икки йилдан бери мен ҳам унинг кўйида саргардонман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 (*бирор аниқловчи сўз билан*) Аҳволда, ҳолатда. *Элмурод шу кўйи яна бирмунча юргач, тўхтади-да, йўл четидаги бир тошга ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Домла Ниёз турган кўйи ёрлиқни ўқиди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КЎЙЛАК Ёз (иссиқ) вақтларида устдан кийиладиган, ялангқават, ёқа ва енгли, эркакларники белдан пастроққача, аёлларники эса этаги узун бўладиган кийим (совуқ вақтларда жемпер, костюм кабиларнинг остидан кийилади). *Чит кўйлак. Шойи кўйлак. Атлас кўйлак. Эркаклар кўйлаги.* ▬ *Шерали кўйлагини шимининг ичига тиқиб, камарини тортаётганда.. дераза ойнасини чертиб, уни шошилтирарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Кўйлак енги тирсакка қадар шимарилган; тиқмачоқдай билакларида илон бошли билагузуклар ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўйлагининг этаклари тонг шудрингидан ҳўл бўлиб кетганига, енгининг учлари кўкариб қолаётганига қарамай, чаққон ишга киришди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бир кўйлакни ортиқ *(ёки* кўпроқ) йиртган Ёши катта; турмуш тажрибаси кўп, кўпроқ биладиган. *Исроилдан сўраймикин? У, уруш кўрган, мендан кўра кўпроқ кўйлак йиртган..* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Битта кўйлаги иккита бўлди** Моддий аҳволи яхшиланди, бойиб қолди. *Энди жир битдида! Битта кўйлак иккита бўлди!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўйлагига сиғмай кетди** *айн.* **терисига сиғмай кетди** *қ.* **тери.**

КЎЙЛАКБОП Кўйлак қилса бўладиган, кўйлакка ярайдиган, арзийдиган. *Кўйлакбоп чит.*

КЎЙЛАКЛИ Кўйлак кийган; кўйлаги бор. *Қора кўйлакли қиз.* ▬ *Ўртада ўтирган қизғиш сатин кўйлакли Маърифатой, қўлидаги қаламнинг учсиз томонини иягига тираб.. ўтирибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎЙЛАКЛИК Кўйлак қилинадиган; кўйлакка етарли; кўйлакбоп (газлама, мато). *Бир кўйлаклик шоҳи. Уч кўйлаклик мато.* ▬ *Адолат юпангандан кейин, Усмонжон стол устига – қоғозда ўроғлиқ турган нарсага ишора қилиб деди: -Сизга кўйлаклик олиб келдим.* С. Зуннунова, Гулхан.

КЎЙЛАКЧАН Фақат кўйлакнинг ўзида, бошқа устки кийимсиз. *Мактаб олдидаги майдончада кўйлакчан, яланг оёқ, яланг бош, лапта ўйнашаётган болаларнинг шўх кулгилари.. тинди.* С. Анорбоев, Оқсой. *[Ҳасанали] Кўйлакчан эгнига чопонини ёпиниб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЎК 1 Тиниқ осмон рангидаги; мовий, зангори. *Кўк кўз. Кўк бўёқ.* ▬ *Қўлимизда товланар жажжи-жажжи байроқлар, Осмонда кўк, қизил шар енгил учиб ўйноқлар.* И. Муслим.

2 Кул рангидаги, кулранг. *Кўк бўри. Кўк каптар.* ▬ *Қамчи кўк от билан саман той-*

ни етаклаб, дарё томонга кетди. Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *с. т.* Яшил, сабза. *Кўк ўт.* ▬ *Қаршимда тебранар кўк барглар ҳар он..* Ю. Ҳамдам.

4 Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турадиган ҳаво қатлами; осмон. *Энкайганга энкайгин, бошинг ерга теккунча, Кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етгунча.* Мақол. ▬ *Мартнинг охирги кунлари. Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз куйга соляпти.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

5 Ўсаётган ўт-ўсимлик, ўт-ўлан; майса, кўкат. *Ёмғирлар ёғиб, ерда ўт-ўланлар кўрина бошлади, ҳайвонларнинг оғзи кўкка тегди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Менинг бригадамга қарашли ердан уч гектарига миср пахта экдим. Кўки жуда яхши.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

6 Баҳорда янги чиққан, сомса, чучвара каби овқатларга ишлатиладиган отқулоқ, йўнғичқа, жағжағ, исмалоқ каби кўкатларнинг умумий номи ва шундай кўкатлар қўшиб тайёрланган овқат. *Кўк сомса. Кўк шўрва.* ▬ *Кўк териш баҳонаси билан далаларни тусай бошлаган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

Кўк сомса Ичига янги ўсиб чиққан жағжағ, йўнғичқа, исмалоқ, ялпиз каби ўтўланлар баргини пиёз билан қиймалаб, оширма ёки оддий хамирга ўраб тайёрланган сомса.

7 Кашнич, жанбил, укроп каби овқатга қўшиб ейиладиган резавор ўсимликлар, кўкат. *Кўк солиб қатиқланган маставанинг лаззатли ҳиди келди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

8 *с. т.* (3-ш. бирл. шаклида – **кўки**) Доллар. *Бир пачка кўки билан қўлга тушибди, иш чатоқ.*

Боши кўкка етди *қ.* **бош. Еру кўкка ишонмаслик** Ўта даражада эҳтиётламоқ. *Қизим бечора уни [Ёдгорани] ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Кулини кўкка совурмоқ** *қ.* **совурмоқ 3. Кўкка кўтармоқ** Таъриф, тавсифини жуда оширмоқ, ўта мақтамоқ. -*Муштоқман, аммо бир оз сабр эт, – деди лабларидан мева ширасини артиб Аҳмад Ҳусайн. – Қани, сен ҳали кўкка кўтарган таълимот қайси?* Ойбек, Нур қидириб. **Тутуни кўкка чиқмоқ** Ўта даражада хафа бўлмоқ, хуноб бўлмоқ. *Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганни устига чиқиб тепиш» қабилидан бўлган бу ҳаракатидан тутуни кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўкади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЎКА, кўка гули Йирик баргли, баргининг усти силлиқ, ости қалин оқ тукли, гули сариқ кўп йиллик ўсимлик.

КЎКАЙ *шв.* Кўнгил, дил. *Бу гапларни кўкайингга келтирма, Хуш келибсан она манзил, она жой.* «Юсуф ва Аҳмад». *[Қорасочнинг].. қийиқ кўзлари қиздай қилиқли йигитларнинг ҳам кўкайида туғён қўзғатар эди.* Т. Сулаймон, Қорасоч. *Авазхон буни ўлдириб, кўкайи ўсиб, кўтарилиб, отидан тушиб, яёв бўлди.* «Маликаи айёр».

Кўкайини кесмоқ (*ёки* **куйдирмоқ**) Дилини оғритмоқ, ранжитмоқ. *Болам, деб бағрингга босдинг. Менинг кўкайимди кесдинг.* «Маликаи айёр». *Қабоқ уйиб, димоғини куйдирма, Хафа қилиб, кўкайини куйдирма.* «Гулнорпари». *..кейинги кўргуликлар кўкайини кесган кўклам.. ғам-аламда қовурилиб ётган хонадон учун пичан ғарамлаб беришди.* «Шарқ юлдузи».

КЎКАЛАМ *с. т.* Кўкаламзор. *Болалар тоғни саёҳат қилиб, булоқлар, кўкалам ерларни томоша қилиб юрган эдилар.* «Гўрўғли». *От бойлашиб, кўкаламда ётинглар.* «Гулихиромон».

КЎКАЛАМЗОР Ўсиб, кўкариб турган ўт-ўсимлик, дарахтлар билан қопланган жой. *Булоқ атрофидаги кўкаламзор эса жазирама иссиқларда ҳам сўлмайди, қишин-ёзин ўлмайди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бўз ерларга сув чиқади, қишлоқ атрофи, тақир-бўз ерлар кўкаламзор, экинзор бўлади!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎКАЛАМЗОРЛАШМОҚ Кўкаламзор бўлмоқ, кўкаламзорга айланмоқ. *Шаҳар кўчалари кўкаламзорлашди.*

КЎКАНЛАМОҚ *қ.* **кўганламоқ**. *Қўрага иккита соғин эчки кўканлаб қўйилган эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

КЎКАНАК : кўзга – кўканак, оёққа (*ёки* **бетга) – тиканак** Ҳаммага халал берувчи, урушқоқ киши ҳақида айтиладиган матал. *Ҳа, гарданкашлик қилиб, кўзга – кўканак, бетга тиканак бўлишдан ҳазар қил..* К. Яшин, Ҳамза.

КЎКАНТОЙ Лочинлар оиласига кирувчи йиртқич қуш.

КЎКАРМОҚ 1 Ўт-ўсимлик ёки барглар билан қопланиб, кўк, яшил тусга кирмоқ. *Баҳор келди, далалар кўкара бошлади.* ▬

Гиёҳ унмаган чўллар меҳнаткашлар қони бараварига ям-яшил кўкарган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Униб-ўсмоқ, амал олмоқ; кўкламоқ (ўт-ўсимликлар ҳақида). *Экин яхши кўкарди.* ▬ *Чурук бўғотлари осилган.. эски уйларнинг томлари четида майсалар кўкарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Боғ бригадасидаги кишилар бутун ёз бўйи уларни парвариш қилди, қаради. Лекин олмалар кўкармади.* Газетадан.

3 *кўчма* Ривож топмоқ; ўсиб-унмоқ, ўсмоқ. *Дарахт бир жойда (ерда) кўкаради.* Мақол. ▬ *Ер олган кўкаради, ер сотган қурийди. Мана бу гапнинг мағзини чақ!* Ойбек, Танланган асарлар. *Бировнинг кўкарганини кўра олмайдиган ғаламисга ўхшайди.* С. Нуров, Нарвон.

4 Қаттиқ зарб, совуқ ёки бошқа бирор сабаб таъсирида кўк-қорамтир тусга кирмоқ (бадан, юз ранги ҳақида). *Боланинг қўллари совуқдан кўкариб кетибди.* ▬ *Кўкариб кетган оёқни кўриб, Полвоннинг раҳми келди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бўтавой жаҳлдан кўкариб сўкинар, паранжиси елкасига тушиб кетган Эшон ая овозининг борича дод солиб, уни қарғарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

5 Айниб, бузилиб, кўкка мойил тус олмоқ. *Гўшт кўкариб қолибди.* ▬ *Кўкариб кетган бу сассиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил қуртлар тушган ерида бир-икки қилпанглаб, дарров ўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎКАТ 1 Ўсиб турган ўт-ўлан; ўт-ўсимлик. *Қўйларнинг барра кўкатларни ўткир тишлари билан жодидай қирқиб пишиллашлари, қўзиларнинг оналарини қидириб маърашлари атрофни босди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мансур тизза бўйи кўкатлар устида чўнқайиб ўтирар.. ҳеч нимани кўрмас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Овқатга қўшиб ейиладиган (кашнич, укроп каби резавор) ўсимликлар; ошкўк. *Хушбўй мевалар, айниқса кўкатлар, турли нав сабзавотлар жуда мўл ёғилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Кўкат растаси, қовун бозор, ҳўл мева, қуруқ мева расталарини кўриб, ён кўчадан пастладик.* «Муштум».

КЎКАТЗОР Кўкатлар билан қопланган жой, майдон.

КЎКИМТИР 1 Кўк рангга яқин, кўкка мойил, кўкиш, оч кўк. *[Турсуной] Маржон, исирға, узук тақишни бировлардан кўриб ҳавас қилар, лекин ингичка, кўкимтир томирлари билиниб турган бўйни ва қўлларига бу зийнатлар ярашиб тушмас эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Атрофдаги ҳовлилардан кўтарилган тутунлар кўкимтир, майин мавж билан тиниқ, совуқ ҳавода сузади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с. т.* Яшил ёки зангор рангга яқин, оч яшил. *Кўкимтир шоҳи рўмол.* ▬ *У [Салимбой] кўзларини ҳовуздаги турғун кўкимтир сувга тикиб ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎКИШ *айн.* **кўкимтир.** *Ўртадаги ўчоқда ҳўл тўнка биқсимоқда. Ундан чиққан кўкиш тутун юқори кўтарилиб, ис босган қоп-қора шиплардан жой қидиради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎКЙЎТАЛ *тиб.* Ўқтин-ўқтин тутиб, узлуксиз йўталтирадиган, одатда болаларда бўладиган юқумли касаллик. *Йўталнинг кечаси, шунингдек, дам-бадам тутиши кўкйўталнинг алоҳида хусусиятларидандир.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КЎКЛАМ Йилнинг қиш билан ёз оралиғидаги фасли; баҳор. *Кўклам келиши билан дала ишлари қизиб кетди.* ▬ *Илк кўклам ёғдулари ўқув корпусининг узун коридорини равшанлаштириб юборган, қишда кундузи ҳам ёқиб қўйиладиган чироқлар энди ўчирилган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Деҳқон йиғлаб-йиғлаб, баҳорга кўз тикди. Аммо кўклам серёғин келди.* С. Сиёев, Аваз.

КЎКЛАМГИ Кўклам фаслидаги, кўклам фаслида бўладиган; кўкламга оид. *Кўкламги дала ишлари.* ▬ *Шу кунларда бизнинг диққат-эътиборимиз кўкламги экишни ҳар тарафлама шай бўлиб кутиб олишга қаратилган.* Газетадан.

КЎКЛАМОҚ I *с. т.* Амал олмоқ, ўсиб ривожланмоқ (ўсимлик ҳақида). *Ғўзалар кўклашидан то шу дамга қадар ундан кўз узмаган деҳқон ўз меҳнатининг мўъжизасига ўзи хурсанд боқади.* Газетадан. *Оппоқ шўр босган ер ўртасида онда-сонда кўклаган бедапоялар.. кўзга чалинади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КЎКЛАМОҚ II Йирик-йирик қилиб, наридан-бери (вақтинча) тикиб, чатиб қўймоқ. *Машиначи кўйлакни кўклаб қўйди.* ▬ *-Иш жўнашиб кетди. Ҳаш-паш дегунча кафанни ҳам кўкладик. Ўликнинг очиқ бада-*

ни мумкин қадар кўздан яширинган эди, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. *Пўлатой костюм енгларини игна билан кўклаб берар эди. Кўклаган енгларни ўтказиш ишларининг талай қисми ҳам игна билан бажариларди.* П. Қодиров, Янгилик ошиғи.

КЎКМАРАЗ Донли экинлар билан бирга ўсадиган, заҳарли алкалоидга эга бўлган ўсимликлардан бири. *Яхши тозаланмаган буғдой ва арпада кўкмараз ўсимлигининг уруғи ҳам қолади.* «Фан ва турмуш». *Қишлоқ жойларда донли экинлар билан бирга ўсадиган айрим ўсимликларда (кўкмараз, эшакмия ва б.) заҳарли алкалоидлар мавжуд.* С. Акромов, Гиёҳ кимёси.

КЎКНОР 1 Кўсаксимон ҳосили ичида майда кўкиш уруғи бор, танасида сут шира етишадиган бир йиллик ва кўп йиллик ўсимлик. *Саид Жалолхон қайтиб кирди, бор товуши билан бақирди: -Ҳамма ерларингга кўкнор эктираман!* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 Шу ўсимликнинг ҳосилидан ивитиб, эзиб тайёрланадиган, кайф берадиган ичкилик. *[Марайим] Кирмаган кўча қолмади: наякини ўрганди, қора дори еди, такяларга кириб, кўкнор ичди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎКНОРИ 1 *айн.* **кўкнор.** *Саид Жалолхон, унинг бир қадоққа яқин кўкнориси борлиги маълум эди, шу кўкнорини излаб, уйга кирди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 Кўкнор ичувчи банги. *Ғуломжон пинаги бузилган кўкнори сингари сесканиб, ёнига қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Кўкнори хаёл Ақлга тўғри келмайдиган, рўёбга чиқиши мумкин бўлмайдиган пуч хаёл. *Кўкнори хаёл қилмоқ.*

КЎКНОРИХОНА Кўкнор ичимлиги тайёрланадиган ва кўкнор ичувчи бангилар йиғиладиган жой; такя. *Гузардаги эски кўкнорихона шаклидаги чойхона бузилиб, янги чойхона ташкил қилинган.* Ҳ. Шамс, Душман.

Нафасинг кўкнорихонага урсин Совуқ хабар, гап билдирган кишига эътироз сифатида айтиладиган ибора. *[Сайфи:] Ҳаким акамлар ваъданинг устидан чиқмасалар, ҳаммамизнинг асфаласофилин бўлишимиз ҳеч гап эмас-а? -Э, нафасинг кўкнорихонага урсин! Суф сенга! — деди Эгамберди.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

КЎКПОЯ Жўхори ва ш. к. айрим ўсимликларнинг жуда пишиб (қуриб) кетмаган, молларга озуқа сифатида бериладиган маҳсули, пояси. *Маккажўхори улар ерининг «мижозига» тўғри келмагани сабабли, гектаридан 130 центнердан кўкпоя олинган эмиш.* «Муштум».

КЎКРАК 1 Тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми; кўкс. *[Элмурод] Қизаргунча ювинди, ҳўл сочиқ билан кўкрак, бўйин ва яғринларини обдан ишқалаб, қонини бетга тепдирди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёпган баҳайбат мош-гуруч соқолини қалам билан таради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Аёллар кўксидаги бир жуфт сут безии, эмизиш аъзоси; эмчак. *Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоқда бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўкрак бермоқ Эмизмоқ.

3 Кийимнинг юқори олд қисми. *Кўкрак чўнтак.* ▬ *Унинг эгнидаги якка бортли шевиот костюм ҳали бўйига нисбатан ингичка бўлган қаддига кенглик қилади, кўкраги бир оз халта бўлиб, ёқаси кўчиб турибди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳаво исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳоким, формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елпинишга тутинди.* М. Исмоилов, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Юрак, дил. *Кўзи сўқирдан кўкраги сўқир ёмон.* Мақол. ▬ *Уйғоқ эдим.. [болани] эртага олиб кетар, ҳар нима бўлганда ҳам, кўкрагида оналик меҳри бордир [деди Сидиқжон].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гавҳарнинг йиғи аралаш бўғиқ овози Маҳкамга ўз кўкрагидан чиқаётгандай бўларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Кўкрагига шамол тегди *қ.* **шамол. Кўкрагида ёли бор** *қ.* **ёл** I. **Кўкрак кермоқ** 1) ғурур, кибр билан гавдани тик тутмоқ; креккаймоқ. *Ўша пул бўлганда, Нусратилла Қулматқоранинг олдига кўкрак кериб кириб борарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) фахрланмоқ. *Кўкрак кериб, постда тураман, Ватан ёви кул бўлсин доғда.* Газетадан. **Кўкрак қафаси** Одамлар, сутэмизувчи ҳайвонлар ва паррандаларда кўкрак умуртқалари билан қовурғаларнинг тўш суяги ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлган бир бутун тузилма.

КЎКРАКБУРМА : кўкракбурма кўйлак Кўкраги қат-қат тах қилиб, буриб тикил-

ган кўйлак. *Кўйлак тиктирдим форма, Янгича — кўкракбурма.* С. Абдулла, Ҳаёт гулшани. *Лопилламай ўлсин шу кўкракбурма кўйлак!* Ойдин, Ҳикоялар.

КЎКРАКДОР 1 Кўкраги кенг, яғриндор. *Кўкракдор йигит.*

2 Кўкраги, эмчаги бўлиқ, катта. *Қиз ўн етти-ўн саккизга кирган, ўрта бўйли.. кўкракдор, тўлагина, лўппигина қиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма.* Баланд ва баҳаво, кенг. -*Чакки эмас, — деди кўкракдор, кенг далага қараб Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КЎКРАКЛИ 1 Кўкракка эга; кўкраги бор. *Муҳаммадкаримни қадди-қомати келишган, кўркам, кенг кўкракли, елкасига тегирмон тоши қўйса бўладиган йигит, деганларича бор эди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

2 *айн.* **кўкракдор 2, 3.** *[Гуландом] Баланд бўйли, кўкракли, тўла эмас, лекин миқти, диркиллама танга эга.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎКС 1 *айн.* **кўкрак.** *Қўлини кўксига қўйиб таъзим қилмоқ.* ▬ *Хонанинг тўридаги пўстак устида оппоқ соқоли кўксига тушган катта саллали, ола чопонли домла ўтирарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Жингалак сочлари кўзларини тўсиб турган Раиса икки қўли билан онасининг кўксини ушлаб, йиғлаб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Юрак, қалб. *[Йўлчи] Гулбоғчадаги у пари кўздан ғойиб бўлгунча, отни секин юргизиб, кўксидаги чексиз шодлик билан қаноатланган, ширин ўйларга ботган ҳолда кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Бирор нарсанинг ўртаси, ичи, бағри. *Ёшлар чўл кўксини ёриб, тобора илгарилаб борарди.* Ш. Ғуломов, Шонли авлод. *Ғуломжон қизларни кўм-кўк кўксига олган ғўзага бир неча зум суқланиб қараб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎКСОВ Ўпкаси ишдан чиққан, кўп ва қаттиқ йўталадиган. *Чанг орасида биттаяримта кўксов қўйларнинг йўталгани эшитилар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бўриларнинг этни жимирлаштирадиган улиши, тўнғизларнинг кўксов йўталишидек ёқимсиз товуши.. бу танҳо йўлчининг юрагига ваҳим сололмасди.* С. Аҳмад, Одамнинг изи. *Тилмоч папирос чекиб, кўксовлардай бўғилиб йўталди.* Ойбек, Улуғ йўл.

КЎКСУВ Кўздан ёш (сув) оқиб туриши билан кечадиган кўз касаллиги. *Ўрта Осиё халқлари «назла» ёхуд «кўксув» деб ном берган кўз касаллиги бор.* Т. Қосимов, Кўзингизни эҳтиёт қилинг.

КЎКСУЛТОН Думалоқ, нордон мевали дарахт ва унинг меваси. *Кўксултон атиргуллилар оиласига мансуб бўлиб, қимматли витаминларга бой мева ҳисобланади.* Газетадан.

КЎКЧА Қовуннинг ўртапишар, сершира бир тури (сертўр, кўкиш, чўзиқ қовун). *Каттақишлоқнинг эртапишар қовунлари, амири, кўкча, оқуруғлари қадим замонлардан бери машҳур.* И. Раҳим, Ихлос. *Патнис кўкча ва шакарпалак косалари билан тўлиқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎКЧИ Кашнич, кўкпиёз, укроп каби резаворлар етиштирувчи ва шундай кўкатлар билан савдо қилувчи шахс.

КЎКЧИЛ *кам қўлл. айн.* **кўкимтир 1.** *У, аввал Салимбойвачча, кейин бошқалар билан чўқиштириб, шампанскийни ичди-да, йирик, кўкчил кўзларига шўхлик ва ишва беришга тириша бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎКҚАРҒА Яшил-кўк патли, асосан Африкада қишлайдиган, кўкламда келадиган қуш.

КЎКҚЎТОН Лайлаксимонлар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб, пати кўк, бўйни ва тумшуғи узун, балиқ, бақа ва б. майда жониворлар билан озиқланувчи йиртқич қуш.

КЎЛ Қуруқликнинг сувга тўлган (сув қоплаган), атрофи берк, чуқурликдан иборат табиий сув ҳавзаси. *Катта кўл. Чўлда юрган қўнғир ғоз, кўл қадрини не билур.* Мақол. *Тома-тома кўл бўлар.* Мақол. ▬ *[Ғуломжон] Ой ёруғида кумуш товлаб турган кўлнинг чап қирғоғи билан пастга тушиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дарё бўйида катта-кичик кўллар, тўқайзорлар кўп эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЎЛАГА *эск. айн.* **кўланка.** *Майдон эшиги очилди. Бири орқасидан бири юриб, икки кўлага майдонга кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЎЛАМ Бирор иш-фаолиятнинг ёйилиш, қамраш доираси, ҳажми, миқёси; ривожланиш, авж олиш даражаси. *Пўлат иш бошлаган дастлабки кунданоқ иш кўламининг бу қадар катталиги, бинокорлар зиммасига катта вазифа юклатилганлигидан*

фахрлана бошлади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шаҳарларда қурилиш йил сайин кенгайиб бормоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КЎЛАМДОР Кенг кўламли (кўлами кенг). *Таъсирчан лирик ўйлари ва кўламдор эпик достонлари билан миллион-миллион китобхонлар муҳаббати ва ихлосига сазовор бўлган машҳур шоирларимиздан бири Уйғундир.* «ЎТА».

КЎЛАМЛИ Кўламга эга. *Олдинда кенг кўламли, мураккаб вазифа турарди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Замон кечар экан ҳар қандай дамда, Кўламли қувончу ё ногоҳ ғамда.* А. Орипов.

КЎЛАНКА 1 Офтоб нуридан тўсилган жой; соя. *Абдуваҳоб айвондаги кўланкага ўтирди, ўғилчасини тиззасига олиб, пешонасидан ўпди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Машина теракларнинг қуюқ кўланкаси остида учиб бораркан, Қудратнинг дўстлари кўм-кўк ва бўлиқ пахтазор далаларни унга кўрсатиб, фахрланар эдилар.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 Киши ва нарсаларнинг ёруғликка қарама-қарши томонга тушадиган сояси. *Аравани от тортар, кўланкасини ит тортар.* Мақол. ▬ *Олис-олисларда йигитларнинг кўланкалари кўринади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Рўпарадаги уйда чироқ ёнди. Дарпарда орқасида тебраниб турган кўланка тўхтади.* Газетадан. *Қарағайларнинг кўланкаси тунги сокин ҳавода қимир этмай турарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

3 Узоқда, қоронғиликда, туманда ғира-шира кўринган нарса; қора, шарпа. *Кўнгли алдамаган экан: узоқдан алақандай кўланка қорайиб кўринди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Башорат яқин борди, кўланка яна қимирлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 *кўчма* Бирор ички руҳий ҳолатнинг (мас. ташвиш, ғам, азоб) ифодаси, акси. *Шеърият бошига зулмат кўланкаси тушди.* Зулфия, Хаёллар, туйғулар. *..унинг [Мадраимнинг] нуроний чеҳрасини, худди қуёшни булут босганидек, қайғу-алам кўланкаси чулғаб олди.* «Муштум». *Иқбол хола унинг чеҳрасидаги алам кўланкасини илғамади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 *кўчма (3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида)* Бирор кимсанинг ҳимояси; паноҳ, ҳомийлик. *Бировнинг кўланкасида яшамоқ.* ▬ *-Қалай, Ҳомидбек, юртларингиз тинчликми? -Худога шукур, давлатлари кўланкасида.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 *кам қўлл.* Нарсаларнинг бошланғич шакли, ҳали тўла шаклланмаган умумий кўриниши. *Чигит экиш бошлангунча, янги қишлоқнинг кўланкаси кўриниб қолди: ..ҳали очилмаган кўчаларнинг икки юзига саксон беш мингдан ортиқ кўчат ўтқазилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Кўланкаси қолибди Жуда озиб кетибди, рамақижон бўлиб қолибди. *Сўрила-сўрила кўланкаси қолган совлиқ нимага ярайди?* С. Анорбоев, Оқсой. **Кўланка (сини) солмоқ** Салбий таъсирини ўтказмоқ. *[Нигоранинг].. бу табассуми зўрма-зўраки эканини, қандайдир ғусса юзига кўланка солиб турганини Шербек бир боқишдаёқ пайқади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Уруш барча қатори Мақсуда опанинг ҳам бошига ўз кўланкасини солди.* Газетадан. **Ўз кўланкасидан (ҳам) қўрқмоқ** Ҳар нарсадан қўрқадиган, хавфсирайдиган бўлмоқ. *Лекин Мадамин юрагини олдириб, ўз кўланкасидан қўрқадиган бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўзи хон, кўланкаси майдон** *қ.* **хон. Қора кўланка** Ёмонлик, бало рамзи. *Биламан, ана, ҳозир сен турган ўлка Бошида қанот ёзган қора кўланка.* Ғайратий.

КЎЛБАР Улоқнинг терисидан ошлаб ишланган чармдан қилинган тўрва. *Қаландар: -Йиғламанглар!— деб кўлбаридан иккисига бир нон олиб берди.* «Эрали ва Шерали».

КЎЛБУҚА Қамишзорларда яшайдиган балиқхўр тунги қуш.

КЎЛВОР, кўлбор: кўлвор (*ёки* **кўлбор) илон** Думининг учи тўмтоқ, халқ табобатида гўшти шифобахш ҳисобланувчи заҳарли илон. *Чайла ёнида сув истабми, соя истабми келиб қолган, узунлиги ярим қулоч кўлвор илон.. ётарди.* «Ёшлик». *Кўлбор илон Нуротада жуда кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

КЎЛИК *шв.* Юк тортувчи ҳайвон, от-улов, транспорт. *-Париларнинг макони олис, болам, кўлигинг йўқ, шеригинг йўқ, қандай етасан, — деди кампир.* «Фольклор». *Жой ниҳоятда пинҳона бўлгани учун атрофда бирор кўлик кўзга ташланмайди.* М. Қўшжонов, Дийдор.

КЎЛКА *кам қўлл. айн.* **кўланка.** *Жим-жит, қоронғи кўчалардан отни қаттиқ ҳайдаб кетди. Ҳуштак, шақилдоқ чалган танҳо*

қоровул кўлкалари унда-бунда учраб қолар эди. Ойбек, Танланган асарлар. *Олма, ўрик, бодом гул очади, Супамизда салқин кўлкаси.* Миртемир.

КЎЛЛАМОҚ Оқмай, бир жойга тўпланиб, йиғилиб қолмоқ, кўл бўлиб қолмоқ (сув ҳақида). *Сайфи тол соясига ётиб, хуррак отяпти. Сув эса эгатларнинг бир жойидан югуриб ўтяпти, бир жойида кўллаб қоляпти.* Газетадан. *Сквер томондан оқиб тушган баҳор суви тротуарнинг зеҳида кўллаб ётар.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КЎЛЛАТМОҚ 1 Кўлламоқ фл. орт. н. *Сурункали ёғингарчилик далаларни кўллатиб юборди.* Газетадан.

2 : кўллатиб сув сепмоқ Кўп миқдорда сув сепмоқ. *Ёзнинг жазирама кунлари Аҳатжон гужум остига кўллатиб сув сепади, супага.. топ-тоза олачани тўшайди.* С. Сиёев, Аваз. **Кўллатиб суғормоқ** Бостириб, кўп сув қуйиб суғормоқ. *Бу ерда ғўзалар кўллатиб суғорилар*ди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КЎЛМАК Чуқур жойга тўпланиб қолган ёмғир суви, ҳалқоб сув. *Кун исиб кетди. Ҳар қадамда ҳалқоб бўлиб ётган кўлмаклар ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кўлмак сувлар устида чивинлар галаси уймалашмоқда.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

КЎЛОБ *айн.* **кўлмак.** *Кўлоб ҳозиргина сепилган сувдан ҳосил бўлган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎЛОБЛАМОҚ *айн.* **кўллатмоқ 2.** *Тоза супурилган, кеча кўлоблаб сепилган сувнинг нами ҳали тупроқдан аримаган ҳовли уни оғир сукут билан кутиб олди.* С. Зуннунова, Олов.

КЎЛОБЛАТМОҚ *айн.* **кўллатмоқ 2.** *Келин бир зумда ҳовлини кўлоблатиб сув уриб чиқди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Кўлоблатиб суғорилган ғўзалар, қаранг, Кўринади сув остидан барглари аранг.* А. Пўлат.

КЎМА *шв.* **1** Уюм, тўплам. *Қовун кўмаси.* ▬ *Икки қум кўмаси орасидан бораётган отлиқ отини тўхтатиб, ундан тушди.* С. Айний, Қуллар.

2 *айн.* **паға.** *Дала шийпонларидан кўтарилаётган тутун кўмалари..* Ойбек, О. в. шабадалар.

КЎМАК Моддий, жисмоний, маънавий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; ёрдам. *Катта кўмак. Кўмак олмоқ. Дўстлар кўмагида қийинчиликларни енгмоқ.* ▬ *Кетаман, қизим, шаҳарда аллақанча ишим бор. Ботиралининг кўмаги билан битказиб олай.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Оғир дақиқаларда бирбирларини қўллаб, кўмак берардилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Йигитлардан бирининг кўмагида отга миниб, жиловини қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Оға, не қил дейсиз.. Мен сиздан кўмак истаб келдим.* С. Сиёев, Аваз.

КЎМАКДОШ Кўмак берувчи; ёрдамчи, кўмакчи. *Амаким ҳам, хотини ҳам қизига насиҳат қилиш ўрнига, унинг фисқ-фужур ишларида кўмакдош бўлдилар.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Мен энди тўкисман.. ҳар бир ишимда кўмакдош онам — қайнонам бор.* М. Алиев, Шонли авлод. *Ўз умримдан бўлардим рози, Ё сен менга кўмакдош бўлсанг.* Сайёр.

КЎМАКЛАШМОҚ Ёрдам, кўмак бермоқ, ёрдамлашмоқ. *[Унсин:] Тоға, сизга ялиниб келдим, Йўлчи акамни қамоқдан чиқаришга кўмаклашинг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёзги каникулда тоғларга саёҳат қилганимиз, бир-биримизга кўмаклашиб, Чимён чўққиларига чиққанимиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меҳтиев ҳамманинг ишини кузатиб, керак бўлган жойда кўмаклашиб юрар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КЎМАКЧИ 1 Ёрдам, кўмак берувчи; ёрдамчи. *Пахта теримига чиққан шаҳарлик кўмакчилар.* ▬ *Бу ғамлар етмагандай, унинг ягона кўмакчиси бўлган шогирдини яқинда бошқа бир уста айнитиб олиб, бечора чолнинг қўлини кесди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *тлш.* Отлардан кейин келиб, уларнинг бошқарув йўли билан тобеланишини кўрсатувчи, макон, замон, сабаб каби маъноларни ифодаловчи ёрдамчи сўз, мас., *учун, билан, томон* сўзлари.

Кўмакчи феъл Асосий феълнинг маъносига қўшимча маъно берувчи ёрдамчи феъл. Мас., *ўқиб кўр, ёзиб бер, ола қол* кабиларда *кўр, бер, қол* феъллари.

КЎМАЧ Иссиқ кулга кўмиб пишириладиган нон. *Кўчиб кетар вақтида Зебо, Ёзи келса ер деб, бир оз унни кўмач қилиб, қўрга кўмиб кетган экан.* «Ёзи билан Зебо».

Ўз кўмачига кул тортмоқ Ўз манфаати учун ишламоқ; ўзига ўзи қайғурмоқ. *Ҳар ким ўз кўмачига ўзи кул тортадиган.. бир замонда инсон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎМИК Суякнинг ғовак қисми; суяк бўшлиғини тўлдириб турадиган ёғли тўқима.

КЎМИЛМОҚ Кўммоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ёшлигингда одат қилсанг, қаригунча кўникасан, қариганда одат қилсанг, кўниккунча кўмиласан.* Мақол. ▬ *Зайнаб ҳам тамом ипакларга кўмилиб ясанган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Шаталоқ отиб юргунча, уйда кўмилиб ўтирсаларинг бўлмайдими? – деди Фотима опа [болаларга].* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

КЎМИР 1 Куйиб қорайган, лекин ҳали кулга айланмаган ёғоч қолдиғи. *Чайла қамишлари аллақачон ёниб битиб, ёғочларигина қора кўмир бўлиб, чарс-чарс тутаб ётарди.* Н. Фозилов, Дийдор.

Писта (*ёки* **пистоқи) кўмир** Махсус кўрада ёғочни куйдириб тайёрланган кўмир. *Очиқ танчага писта кўмир солиб.. икки муфти қўлларини оловга товлар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..кабоб кўраларда арчанинг пистоқи кўмири чўғлатилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ердан қазиб олинадиган, асли ўсимлик қолдиғидан ҳосил бўлган қаттиқ ёқилғи; тошкўмир. *Кўмир саноати. Кўмир кони.* ▬ *Шахталарда шахтёр шиддаткор.. Кўмирларни қулатар яхлит.* Ё. Мирзо. *Қозоғистон – бу Қарағанда, Қазган билан тугамас кўмир.* Ҳ. Олимжон.

КЎМИРЛАНМОҚ *кам қўлл.* Кўмир бўлмоқ, кўмирга айланмоқ. *Булутлар қорайди, дарахтлар кўмирланди, аскарларнинг юзлари исдан, тўзондан даҳшатли ниқоб кийди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кўчалар ғишт, тупроқ, темир-терсак, кўмирланган ёғоч, жингиртоб симлар билан тўла эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

КЎМИРХОНА Кўмир қўйиладиган, сақланадиган жой. *Пойгак томонидан одам ўтирадиган жойнинг ости камар қилиб ковланиб, кўмирхона қилинган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

КЎМИРЧАК 1 *шв.* Пиширилган, қовурилган овқатнинг бир оз куйиб, қотиб пишган жойи; қирмоч.

2 *айн.* **кемирчак**. *Врачлар Назиранинг лунжидан бир парча гўшт олиб, устки лаб тиртиғини ямашди, аста-секин кўмирчак қўйиб, бурнини кўтаришди.* Газетадан.

КЎМИРЧИ Кўмир тайёрлаш ёки кўмир сотиш билан шуғулланувчи шахс. *Кўмирчи бўлсин, темирчи бўлсин – тўрт деворнинг ичида севганинг бўлсин.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Форобий боғи биқинидаги тор кўчада турадиган кўмирчи аравакашлар отларини шу ерга [анҳорга] олиб тушиб суғорадилар, чўмилтирадилар.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

КЎМИРЧИЛИК Кўмирчи касби.

КЎМИШ 1 Кўммоқ фл. ҳар. н. *Боғларда узум, олма, ноклар йиғиштириб олинган, токлар кўмиш учун тайёрланмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Дафн маросими. *У [Адолат] Зумраднинг ўлимига сира-сира чидаёлмасди. Уни кўмиш учун тўпланган одамлар билан маҳалласи томонга кетар экан, кўз ёшини тиёлмас, секин-секин хўрсиниб борар эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

КЎММА 1 *шв.* Ханжувар. *Кўмма қилиб экмоқ.* ▬ *[Ғўза кўчатини] Болалар лой-пойи билан кўчириб.. ва бўлтак ерга қатор кўммалар очиб ўтқаздилар.* Н. Сафаров, Замон.

2 Ерга кўмиб ўрнатилган. *Кўмма устунлар.* ▬ *Саҳнини янтоқ босган яланг ҳовлида иккита ёғоч каравот, ўртага кўмма стол ясалган, унинг атрофига қўлбола табуреткалар қўйилган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 Одатда кўмиладиган, кузда кўмиб, совуқдан сақланадиган (мевали дарахтлар ҳақида). *Кўмма анор. Кўмма ток. Кўмма қилмоқ.*

4 Чўғга (ўтга) кўмиб тайёрланадиган, пишириладиган. *Қўй сути, қўй мойига Упадек унни қориб, Йилтиллама хамирни Қўш това аро солиб, Кўмма қилади дарров, Шувоқ илдизин ёқиб.* Қ. Муҳаммадий. *Бобо бўлар хотиржам, Пиширар «кўмма кулча».* Қ. Муҳаммадий.

КЎММОҚ 1 Ковланган ерга (чуқурча, ўра ва ш. к. га) жойлаб, устини беркитмоқ. *Сабзини кўммоқ. Картошкани кўммоқ.* ▬ *Шолини кечаси отхонадан олиб, бошқа ерга кўминг.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Тупроқ, шағал, қум, тош, кесак, хашак каби нарсалар билан қоплаб беркитмоқ, кўринмайдиган қилиб қўймоқ. *Оёқни қумга кўммоқ. Токни кўммоқ. Бу жойларда анжир билан анорни ҳам кузда кўмадилар.* ▬ *Пахомов картошкаларни ҳавас билан бир-бир ушлаб, ўтга кўма бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Ўликни гўрга қўймоқ; дафн этмоқ. *Сизнинг ўжарлигингизни деб, гулдек қизим-*

ни бегона шаҳарга икки қўллаб кўмиб келдим. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

4 Чуқур жойни тўлдирмоқ, ер билан текисламоқ. *[Сидиқжон] Тўлиб қолган кир ўрани кўмиб ташлаб, бошқа ўра қазиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бултур пахта эккан бригада ернинг намини сақлаш учун зовурни кўмган экан.* Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва.

5 *кўчма* Жуда ортиқ даражада таъмин этмоқ; тўкиб, ёғдириб ташламоқ. *Ишга кўмиб юбормоқ. Пулга кўмиб ташламоқ.* ▬ *Ҳайитмат аканинг назарида, Ҳикмат домла ўз қавмларини ҳаш-паш дегунча олтинга кўмиб юбораётгандек бўлиб кўринди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

КЎМОЧ *айн.* **кўмач**. *..сизни бир оз мазалироқ нон билан меҳмон қилмоқчи бўлиб, кўмоч хамирига бир коса сут қўшдим.* С. Айний, Қуллар.

КЎН Ишланган, пиширилган тери; чарм. *Кўн заводи.* ▬ *-Бой акамнинг дардлари деҳқончилик устида эмас, бошқа жойда,— деди эски бир этикнинг остига янги кўндан таг қўйиб тикаётган бир киши.* С. Айний, Қуллар. *Умурзоқ ака баланд қоматини эгиб, кўн этигининг учини аста-секин босиб, болалар тепасига кирди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

КЎНАК *шв.* Қимиз солиб қўйиш учун теридан ясалган идиш; катта саноч. *Қимиз дори деган неча такконлар, Чайиб бергин сава билан кўнакни.* «Алпомиш».

КЎНГИЛ (*асосан 3-ш. бирл.* — **кўнгли**) **1** Кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил. *Кўнглида яхши ниятлари кўп. Кўнглим қувончларга тўлди.* ▬ *Бахт, иқбол, фаровонлик орзулари кўнгилда тўла, аммо бу дамда бир парча чапатига зорлик қандай мусибат.* Ойбек, Нур қидириб. *[Зайнаб:] Кўнглимда тариқдек ёмонлик бўлса, эртагача етмайин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нигоранинг кўнглини қандайдир ғамгин ҳис-туйғулар эгаллаб олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Аслида эса ҳозир унинг кўнглида бир-бирига зид, асов туйғулар жунбишга келиб, жисму жонини гоҳ безовта қилса, гоҳ ҳаловатли кечинмаларга ғарқ этаётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Феъл-атвор, характер, хулқ. *Жаҳлдан тушгандан кейин яна юмшаб қоласиз, раис, кўнглингиз бўш.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Бир кўнгли Бир қур тахмин қилиб, ичида гумонсираб, бир хаёл билан. *Бир кўнгли, бу гапни қози топиб келгандир, деб ўйлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Борганеригача куйдириб борди. Бир кўнглим, «Заҳар бериб қўйдими?» деб қўрқдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгил бермоқ** 1) берилмоқ, меҳр қўймоқ. *Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин, Бевафо дунёга кўнгил бермагин.* «Ойсулув»; 2) севмоқ. *Мен тунукасоз устамнинг қизига кўнгил берган эдим..* К. Яшин, Ҳамза. *Бир нечук номардга кўнгил бермагин..* «Алпомиш». **Кўнгил ёзмоқ** *(ёки* **очмоқ)** Ғам-ғуссани тарқатмоқ, унутмоқ, хурсандчилик қилмоқ, ўйин-кулги, сайр ва ш. к. билан дилгирликни тарқатмоқ. *Бамаъни одам билан гаплашиб, кўнгилни ёзмоқ.* ▬ *Малика кўнгил ёзиш учун тез-тез овга чиқар экан.* «Булбулигўё». *Қўшиқ кишининг кўнглини очади.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Кўнгил ёрмоқ** Дилидаги гапларни айтмоқ. *Шунинг учунми.. дардини кимга айтишни билмай қолган кезларда Аваз Мутрибни соғинади, унга кўнгил ёради.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Кўнгил овламоқ** 1) ўзига мойил, ром қилишга интилмоқ. *Кўзингни сузиб, овлоқда Пўлатжоннинг кўнглини овлаб юрган эмишсан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар; 2) бировни хурсанд қилишга, кайфини чоғ қилишга ҳаракат қилмоқ. *Тўрахўжа ўртоқларининг кўнглини овлашни биладиган, ўта маданиятли бола эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. **Кўнгил сўрамоқ** Киши бошига бирор мусибат ёки ташвиш тушганда, ундан ҳол-аҳвол, кайфият ва ш. к. ҳақида сўрамоқ. *..Али мешкобчи кейинчалик Низомиддиннинг ҳибс этилиб, Ихтиёриддинга ташланганини эшитиб, эрта билан келиб, Меъморнинг кўнглини сўради.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ёдгорбойнинг.. нобуд бўлганидан булар бехабар экан, тўғри келиб, кампирдан кўнгил сўрабман.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Кўнгил узмоқ** Баҳридан ўтмоқ, кечмоқ, ажралмоқ, ташлаб кетмоқ. *Бир ёғи булар, қолаверса, волидамизнинг қабрларидан кўнгил узолмай, Капсанчиларда қолиб кетдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнгил учун** Ҳурмат юзасидан; ҳеч бўлмаса, шунчаки, тил учида. *Шаҳидбек гўё кўнгил учун яна: -Кўп яхши экан! — деб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Кўнгил хуши** Ўзининг хурсандлиги, вақтичоғлиги учун хизмат қиладиган иш-ҳаракат ёки нарса; хурсандлик, вақтичоғлик воситаси. *Қиз бўлса ҳам, кўнгил хуши,*

Фарзанд керакдур йигитга. «Қўшиқлар». **Кўнгил қўймоқ** (*ёки* **бермоқ)** Меҳр-муҳаббат боғламоқ, севмоқ. *Йигит шу қизга кўнгил қўйди.* ▬ *-Кўнгил берганимни, яхши кўрганимни ўлганидан кейин яна ҳам аниқ билдим. Ҳеч кимдан уялмай, бағримга босиб йиғладим, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгилга тугмоқ** *қ.* **тугмоқ. Кўнгли айнимоқ** Тўш олди соҳаси ва ҳалқумда ўзига хос нохушлик ҳис этмоқ; беҳузур бўлмоқ. *Ёқимсиз ҳиддан кўнгли айниди.* **Кўнгли бор** 1) хоҳиши, майли бор; мойил. *Шу ерда қолиб ишлашга кўнгли борлигини бирдан айтишга бўйни ёр бермай ўйланди.* Ҳ. Назир, Одамнинг қадри; 2) яхши кўради, севади. *Ундай деса, Солиянинг пичингида ҳам жон бор. Ахир илгарилари «ака» демас эдику? Кўнгли бормикин-а?* С. Анорбоев, Шерали севиб қолди. **Кўнгли бузилмоқ** Кайфияти бузилмоқ; қаттиқ хафа бўлмоқ, қайғуга чўммоқ; дили оғримоқ, дили ғаш тортмоқ. *Дутор чалиб ўтирсам, Ипи узилиб кетди, Ёр сени ўйлаб турсам, Кўнглим бузилиб кетди.* «Қўшиқлар». *Акасининг бу ҳаракатидан Раънонинг кўнгли бузилиб, қовоғини солди-ю, аразлаганча ҳовлига тушиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Хондан бошқача муомала кутган Зуҳра бегим тўсатдан кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Кўнгли бузуқ** 1) фикри, нияти ёмон, ёмонлик қилишни ўйловчи; 2) ғамгин, руҳан эзилган, кўнгли яримта. *Кўнгли бузуқ бўлса, болам, шод айла, Йиқилганни, болам, сен босиб ўтма.* «Равшан». **Кўнгли бўлмаслик** Кўнглига тўғри келмаслик, бирор ишни бажаришга ботина олмаслик; маъқул кўрмаслик. *Ибн Ямин.. устозининг вафотидан сўнг, унинг оиласини ташлаб кетишга кўнгли бўлмади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўнгли бўшамоқ** Ғам-ташвишдан енгилланмоқ, кўнгли ёришмоқ. *Йиғлаб-йиғлаб, кўнгиллари анча бўшагандан кейин: -Ҳасанжон.. буларни қаердан топдинглар [деди].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Кўнгли жойига** (*ёки* **ўрнига) тушмоқ** Хотиржам бўлмоқ, тинчланмоқ; таскин топмоқ. *Ғуломжон.. ҳали қўшниси терим бошламаганини кўриб, кўнгли анча жойига тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгли йўқ** 1) майли, хоҳиши йўқ; мойил эмас, истамайди. *Аслида Шодмон отанинг бешикка кўнгли йўқ эди.* Ҳ. Назир, Кўрмана; 2) яхши кўрмайди, севмайди. **Кўнгли кенг** 1) ҳар нарсага сиқилавермайдиган, ташвиш тортавермайдиган. *У кўнгли кенг, вазмин бўлишни, анча-мунча нарсани ичига бемалол сиғдириб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб юришни ҳавас қилади.* П. Қодиров, Уч илдиз; 2) олиҳиммат, саховатли. **Кўнгли кўтарилмоқ** (*ёки* **ўсмоқ)** Руҳланмоқ, руҳи, кайфияти кўтарилмоқ, руҳи енгил тортмоқ; хурсанд бўлмоқ. *Сидиқжон.. иситмаси тушганиданми ёки кампирнинг меҳрибончилигиданми, кўнгли кўтарилиб, таъби очилганиданми, жуда енгил тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнгли кўтармайди** 1) хоҳламайди, ёқтирмайди, табиатига тўғри келмайди. *Қариндошлар, қўшнилар — ҳеч ким ёқмас, ҳеч нарсани кўнгли кўтармас, ҳеч нарсани истамас эди.* Ойбек, Нур қидириб; 2) ҳазм қилолмайди; еб-ичолмайди. *Ёғли овқатни кўнглим кўтармай қолди.* **Кўнгли очиқ** *ёки* **очиқ кўнгил** 1) истагини, хафа ёки хурсандлигини яширмайдиган; тортинмай гаплашаверадиган. *Йўлчининг кўнгли очиқ, содда йигит эканини билиб, болалар бирин-сирин яқинлаша бошлайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ҳар нарсага хафа бўлавермайдиган, гина сақламайдиган; беғараз. *..одамларга жуда меҳрибон, кўнгли очиқ, қотмагина чол эди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Кўнгли оқ** *ёки* **оқ кўнгил** Бировга ёмонликни истамайдиган; беғараз, юраги тоза, софдил. *Оқ кўнгил одам.* ▬ *-Салимбойваччадан қилча шубҳаланманг, — қатъий деди Тантибойвачча, — унинг кўнгли оқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўнгли оғримоқ** Хафа бўлмоқ, ранжимоқ. **Кўнгли совимоқ** *(ёки* **қолмоқ, қайтмоқ)** Аввалги яхши муносабати, майли йўқ бўлмоқ, ихлоси қайтмоқ, севмайдиган, ёқтирмайдиган бўлиб қолмоқ. *Дўстидан кўнгли совиди.* ▬ *[Абдишукурнинг] Кейин мадраса илмларидан кўнгли совий бошлади, чунки имом бўлиш уни сира қизиқтирмади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўнгли соф (***ёки* **тоза), соф (***ёки* **тоза) кўнгил** *айн.* **кўнгли оқ.** *[Гулнор:] Ўзимдан ортиқ сизга ишонаман. Сиз кўнгли тоза йигит, биламан.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўнгли суст кетди** Жуда ҳам ҳаваси келди, тотиб кўргиси, егиси ёки ичгиси келди. *Анорга кўнглим суст кетди.* **Кўнгли тинчиди** *қ.* **тинчимоқ 1. Кўнгли тор** 1) ҳар нарсага сиқилаверадиган, ташвишланаверадиган; сержаҳл; 2) ха-

сис, зиқна. **Кўнгли тош** *ёки* **тош кўнгил** Раҳм-шафқати йўқ, бераҳм, шафқатсиз; бемурувват. *[Фотима:] Золим, раҳмсиз, тош кўнгил!* С. Айний, Қуллар. **Кўнгли тўлмоқ** Мамнун бўлмоқ; қаноат ҳосил қилмоқ, тинчланмоқ. *Муҳиддин ака.. алланимадан хурсанд бўлиб, кўнгли тўлиб чиқиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнгли тўқ** Ғам-ташвишдан холи, хотиржам. *Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ.* Мақол. ▬ *-Бектемирдан кўнглим тўқ, — деди Али тажанг, — калласи ишлайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ишончларингизни оқлайман, кўнгилларингиз тўқ бўлсин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгли хира** *айн.* **таъби хира** *қ.* **хира**. *У смена охирида.. бир оз енгил тортди-ю, лекин кўнгли ҳамон хира эди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Кўнгли чопмоқ** 1) табиатига, дидига мос келмоқ, мувофиқ деб билмоқ, ёқтирмоқ. *[Гулсумбиби:] Дурадгор йигитнинг онаси қатнай-қатнай, тинка-мадори қуриди. Айниқса, ўшанга кўнглим чопган эди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бирор нарсанинг рўёбга чиқишига, амалга ошишига ишонмоқ. *-Қайғурма, Офтоб.. куёвинг бунчалик сулув бўлса.. чимилдиқда печакгулдек бўлиб, эрига чирмашганини кўрармиз! -Оҳ, опажон, — деди умидсизча ойим, — менинг бунга кўнглим чопмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кўнгли чўкмоқ** Руҳи тушиб кетмоқ, умидсизликка берилмоқ; ўксимоқ, афсусланмоқ. *Боланинг кўнгли чўкди.* ▬ *Ҳаётнинг кўнгли чўкиб кетди, лекин.. умид ипини узгиси келмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгли юмшамоқ** Ачиниб раҳми келмоқ; аччиғидан, қаҳридан тушмоқ. *Меҳри юрак-юрагидан эзилиб, дадасининг кўнглини юмшатиш йўлларини қидирарди.* Ш. Рашидов, Бўрондаи кучли. **Кўнгли юмшоқ** *ёки* **юмшоқ кўнгил** *қ.* **юмшоқ 4. Кўнгли ярим (та)** Ғам-ташвиш билан руҳан эзилган, дилшикаст. *-Қўй энди, озор берма, кўнгли яримта, — деган эди, Асрорқул қайта авж олди: -Кўнгли яримта бўлса, мияси ҳам яримтами?* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Кўнгли ўксимоқ** Хафа бўлмоқ, маъюсланмоқ. *Қизнинг атрофга жавдираб турган кўзлари хомуш ерга боқди. Қиз кўнгли ўксиди.* С. Аҳмад, Меҳрибон. **Кўнгли қаттиқ** *ёки* **қаттиқ кўнгил** *айн.* **кўнгли тош.** *Шу ёшга келиб, оталик меҳрини жуда кам кўрсатган қаттиқ кўнгил отанинг юраги бирдан эриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгли қора** *айн.* **ичи қора** *қ.* **ич 3**. *Қайси кўнгли қорадан чиқди бу гаплар?* А. Муҳиддин, Кўнгиллар. **Кўнгли ғаш** Таъби хира, бирор нарсадан ташвишли, безовта, нотинч. *Кўнгли ғаш, бояги қувончли, ширин, аммо таги йўқ хаёллардан асар ҳам қолмаган эди.* О. Ёқубов, Муқаддас. **Кўнглига келмоқ** 1) ўзича ўйламоқ, хаёлидан ўтмоқ. *Зўрликни кўнгилга келтирманг.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ўзинг биласан. Ахир шундай бўлади, деб кўнглимга келтирибманми?!* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) хафа бўлмоқ. *Бу гапингиз нотўғри, қори, сизнинг илмингиз эскича илм.. Кўнглингизга келмасин-у, извошга эшак қўшиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнглига оғир олмоқ** *с. т.* Арзимаган нарсага хафа бўлмоқ; ўзига таҳқир деб тушунмоқ. *Қўйингчи.. ўзингиз ҳар бир нарсани кўнглингизга оғир ола берар экансиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қалмоқларнинг кўзича, сен мендан зўр бўлгин, қандай сиёсат қилиб гапирсанг ҳам, мен кўнглимга оғир олмайман.* «Алпомиш». **Кўнглига тегмоқ** *(ёки* **урмоқ**) *айн.* **чаккага тегмоқ** *қ.* **чакка I.** *Булар ҳаммаси ҳам кўнгилга урди, шекилли, гулзорлар бўйлаб боғни айлана бошлади.* Ойдин, Фонарь тагида. **Кўнглига қарамоқ** Раъйига, хоҳиш-истагига мувофиқ иш тутмоқ. *Мана шунақа-да, боланинг кўнглига қарайверсангиз, ҳаддидан ошиб кетади.* Ойдин, Ўзи монанд. **Кўнглига қил (ҳам) сиғмайди** *айн.* **юрагига қил (ҳам) сиғмайди** *қ.* **юрак. Кўнглига қўл солиб кўрмоқ** *қ.* **қўл. Кўнглида кири йўқ** 1) *айн.* **кўнгли оқ**; 2) *айн.* **кўнгли очиқ**. *Юрагида бори юзига тепиб турадиган бундай кишиларни, кўнглида кири йўқ, деб мақтайдилар.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Кўнглидан кечирмоқ** *(ёки* **ўтказмоқ**) Хаёлидан ўтказмоқ, ўйламоқ. *«Энди бу ҳаёт нимага керак?» деган фикрни кўнглидан кечирганди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *«Тегирмонга тушса, тирик чиқадиган одам», дея кўнгилдан ўтказардилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Кўнглидан чиқармоқ** 1) буткул унутиб юбормоқ; ўйламай, эсламай қўймоқ. *Аслида эса Холмурод севган қизидан ҳали-вери жудо бўлишни ҳам, уни кўнглидан чиқариб юборишни ҳам истамасди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) илгари хафа қилган кишисини узр тарзида хурсанд қилмоқ, хафалигини, гина-кудуратни тарқатмоқ. *Бола бечоранинг дилини оғритган эдим.. Ўлмасам.*

бир яхши иш қилиб, кўнглидан чиқариб юбораман. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Кўнглини бузмоқ** Хафа, ғамгин қилмоқ, ғамга ботирмоқ. *Бир ёш аёлнинг ғам ва ҳасрат билан тўла «ёр-ёр»и алоҳида эшитилар, одамнинг кўнглини бузар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Кўнглини кўтармоқ** *(ёки* **ўстирмоқ)** Дилини чоғ қилмоқ, хурсанд қилмоқ, яхши кайфият бағишламоқ; руҳлантирмоқ. *Беморнинг кўнглини кўтариб, кечқурун уйига қайтди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Бирови йиллаб сақлаган йилқи мойи топиб келиб, тўпиғини силайди, бирови қизиқ-қизиқ гаплар айтиб, кўнглини кўтаради.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Хафа бўлманг, Тўхта хола, кўпга келган тўй, — деди Бозоров, унинг кўнглини кўтариш. учун.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бу гап Жуманнинг кўнглини ўстириб юборди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Кўнглини олмоқ** 1) хурсанд қилмоқ. *Мен биров билан ошначилик қилсам, ундан жонимни ҳам аямай, кўнглини олмоққа тиришаман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) бировнинг севгисини қозонмоқ, ўзига меҳр-муҳаббат уйғотмоқ, ром қилмоқ. *[Сидиқжон:] Бунақа қўшмачилик сизлардан келади. Инъомжонга «Қизимнинг кўнглини ол, эридан чиқариб, сенга бераман», деган кишидан келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнглини оғритмоқ** Хафа қилмоқ, ранжитмоқ. *Ука, мен уч-тўрт кундан кейин Фарғонага жўнайман. Лекин сан чолнинг кўнглини заррача оғритма, дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўнглини топмоқ** Истак-хоҳишига мос тушадиган иш ёки ҳаракат билан ўзига мойил қилмоқ, ўзидан хурсанд қилмоқ. *Каттароғини ака де — қўлтиғига кир, кичикроғини ука де — қўлтиққа ол, кўнглини топ.* П Турсун, Ўқитувчи. **Кўнглини эритмоқ** Дилини, қалбини эритмоқ, юмшатмоқ. **Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас** Киши бирор нарсага ўрганиб, одатланиб қолса, гарчи у зиён бўлса ҳам, уни тарк этолмайди, деган маънода ишлатиладиган матал (асосан ярамас одатлар ҳақида).

КЎНГИЛЛАМОҚ *шв.* Кўнглида мўлжал қилмоқ, хоҳламоқ. *Агар «Фалончини севаман, ўшанга уйлаб қўйинг» деса, хафа бўлмаган чоқда ҳам, «Ҳа-а, мен бу ёқда Ёрқинойга кўнгиллаб юрсам-у, у ёқда дон олишиб юргани бор экан-да» , деб ўйламайдими?* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

КЎНГИЛЛАШИБ: кўнгиллашиб гапирмоқ (*ёки* **сўзламоқ**) *шв.* Чин дилдан гапирмоқ, кўнгилни ёзиб сўзламоқ. *Ана энди эл ҳазиллашиб, кўнгиллашиб гапираверади.* «Юсуф ва Аҳмад». *Нима деса, ўз кўнглида ихтиёр, Кўнгиллашиб сўзланг, юртдошлар.* «Юсуф ва Аҳмад».

КЎНГИЛЛИ 1 Кўнгилга ёқадиган, хуш келадиган; ёқимли. *Кўнгилли манзара.* ▬ *Бу ерда мева-чева кўп, дарахтма-дарахт тирмашиб, ёввойи узум еишдан ҳам кўнгилли нарса борми?* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Бу сўлим масканларда шанба ва якшанба кунлари сайру саёҳат қилган ҳамшаҳарларимиз кўнгилли дам олади, яхши ҳордиқ чиқаради.* Газетадан.

2 Кишиларнинг ўз истаги, хоҳиши билан қилинган, тузилган. *Кўнгилли армия. Кўнгилли аскарлар.* ▬ *Бўтабой партизан отрядига кўнгилли бўлиб ёзилди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 *от взф.* Бирор ишга ёки гуруҳга ўзи истаб, ўз хоҳиши билан кирган ёки уюшган киши(лар). *Канал қурилишига 50 минг кўнгилли етиб келди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КЎНГИЛОЧАР Кўнгилни очадиган, хуш кайфият бағишлайдиган. *Клубда тез-тез кўнгилочар ўйинлар, кўрилган кинолар устида баҳс, мунозаралар қизийди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Шундан сўнг суҳбат унча қовушмади, профессор бир-икки кўнгилочар гапдан сўнг чиқиб кетди.* «Ёшлик».

КЎНГИЛСИЗ 1 Кўнгилга хуш келмайдиган; ёқимсиз, хунук. *Кўнгилсиз воқеа.* ▬ *Чекиниш, албатта, жуда кўнгилсиз ҳол. Лекин урушда бўладиган гап бу.* Ойбек, Қуёш қораймас. *..илтижоли овозлар.. юракларни эзиб юборарди ва буларнинг барчаси бирга қўшилиб, кўнгилсиз, нохуш бир манзара кашф этар эдики..* К. Яшин, Ҳамза.

2 Севги-муҳаббати йўқ, севмайдиган. *Дастлаб кўнгилсиз бўлиб, кейин кўникиб кетганлар озми? Сабр қил.. эҳтимол, бахтинг очилиб кетар.* И. Раҳим, Ихлос.

КЎНГИЛСИЗЛИК 1 Кўнгилсиз ҳолат. *Шундай кўнгилсизликка сабаб бўлгани учун Саидий кўп хижолат тортар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Кўнгли йўқлик, севмаслик; ёқтирмаслик. *Саидий, унинг Мухторхонга кўнгилсизлигини ўзи ҳам билади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

КЎНГИЛХУШЛИК Хуш (яхши) кайфият, вақтичоғ ҳолат; вақтичоғлик. *Алимардон бошини ғоз тутиб борар, жаҳонда ҳеч нима ўзгармагандек, ҳамма нарса кўнгилхушлик билан бораётгандек эди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Гулчирой кириб-чиқиб турган бу остонада туриш унга кўнгилхушлик бахш этар эди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

КЎНГИЛЧАН 1 Раҳмли, раҳмдил. *[Гулнор] Йўлчининг онасини меҳрибон, кўнгилчан, ғоят самимий бир қайнона каби тасаввур қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаттиқ талаб қила олмайдиган; бўш. *[Мазкур] Ўртоқ жуда кўнгилчан одам, бу масъул постга эса қаттиққўл киши керак.* М. Бақоев, Ибрат.

КЎНГИЛЧАНЛИК Кўнгилчанга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Тўхтасин ака иш вақти тугаб қолганда ноўрин бетон олиб келган шофёрга кўнгилчанлик қилди, бошлиқ бўлса, жиддийроқ бўлсин-да..* Ш. Ғуломов, Инсон қўли гул.

КЎНДАЛАНГ Узунасига қараб эмас, балки энига қараб жойлашган, эни бўйлаб кетган. *Ўғлим иккаламиз.. кўча ўртасида кўндаланг туриб қолган машина томон илдам юрдик.* «Ёшлик». *Ёнғоқдан эътиборан сойга тушгунча кўндаланг эгатли алоҳида тахта бошланади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Вагон ўртасида кўндаланг қўйилган тахтада тўрт киши домино ўйнамоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Кўндаланг бўлмоқ (*ёки* **турмоқ**) 1) қаршисида намоён бўлмоқ, рўбарў турмоқ. *Намозгарда у ёнидаги алп йигитлари билан Йўлдош мусофир деган деҳқоннинг эшигида кўндаланг бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Лекин ҳозир сабаб қидирадиган пайт эмас. Унинг олдида катта масъулият кўндаланг турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) тўсиқ, ғов бўлмоқ, қарши турмоқ. *Подшонинг амрига ким кўндаланг бўла олади?! Ҳеч ким!* К. Яшин, Ҳамза. *Тўра ўз таклифининг юрагидаги орзусига кўндаланг бўлганини сезиб, қаеридир жиз этиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Фармонни амалга оширишга, ким бўлмасин кўндаланг турар экан, суриштириб ўтирилмайди, Сибирга бадарға қилинади.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎНДАЛАНГИГА *рвш.* Нарсанинг энига, эни бўйлаб. *Тахтани кўндалангига арраламоқ. Ғўза қатор ораларини кўндалангига культивация қилмоқ.*

КЎНДЎЗЛИК *қ.* **кўнчилик.** *Чамаси бундан ўн бир-ўн икки йиллар илгари мулла Обиднинг асли касби бўлган кўндўзликнинг мазаси бўлмайди, яъни бозордан танавор топилмай, бола-чақаси анча толиқади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

КЎНИКМА Бирор ишда орттирилган маҳорат, малака. *Меҳнат кўникмалари. Кўникма ҳосил қилмоқ.* ▬ *Студия менга энг зарур билим ва ишда кўникмалар берди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Юзаки таниш бўлса ҳам, ўша кўникмалари қўл келиб қолди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

КЎНИКМОҚ 1 Кўниб, ўрганиб қолмоқ. *Шароитга кўникмоқ.* ▬ *Қизим тўрт-беш кун йиғлаб-сиқтаб, кўникибам [кўникиб ҳам] қолади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Қаноат қилмоқ; кўнмоқ. *Борига кўникмоқ.*

3 Тан бермоқ; рози бўлиб қолмоқ. *Эрининг раъйига қарши боришдан фойда йўқлигини билди ҳам кўникди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сизлар бу аҳволга индамасдан, кўникиб юра бердиларингизми?* Ш. Ғуломов, Шонли авлод.

КЎНКА *эск. айн.* **конка**. От билан юрган трамвай; умуман трамвай. *Тошкент вокзалига етиб келгач.. кўнкага ўтириб, эски шаҳарга жўнадим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Шаҳарда илгари кўнкани от сургар эди. Мана энди, кўнка отсиз юрибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎНМОҚ 1 Бирор иш, илтимос, шарт, талаб ва ш. к. га рози бўлмоқ; хўп демоқ, унамоқ. *Маслаҳатга кўнмоқ. Гапга кўнмоқ. Шартга кўнмоқ.* ▬ *Уни ташлаб, бир туя билан кетишга туячилар кўнмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У қизининг бунчалик тез кўниб, розилик берганидан жуда-жуда хафа кўринарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Йигит кўнса, ичкуёв қиламан, кўнмаса, қизимнинг бахтига зомин бўлмайман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Қаноат қилмоқ, кўникмоқ. *Озга кўнмоқ. Борига кўнмоқ. Қийинчиликларга кўнмоқ.* ▬ *Кейин, иш билан овора бўлиб, кўникиб кетарман.. Одам боласи нималарга кўнмайди?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қулоқ солгин чўпоннинг нолишига, Йигит кўнар, савдо тушса бошига.* «Алпомиш».

3 Йиғи, хархашадан тўхтамоқ; овунмоқ (ёш, гўдак болалар ҳақида). *Марҳамат об-*

дан йиғлади. Юз-кўзларини, сочини, муздек оёқ-қўлларини силаб овутаман, қани кўнсачи! С. Сиёев, Аваз.

КЎНЧИ Терини пишириш, пардозлаш, чарм тайёрлаш иши билан шуғулланувчи мутахассис, тери пиширувчи шахс. *Каптар ахлатини кўнчилар қадоқлаб тортиб олиб, ҳар қадоғига фалон пул беришини Бўрихўжа жуда яхши биларди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

КЎНЧИЛИК 1 Кўнчи касби, иши. *Кўнчилик қилмоқ.*

2 *тар.* Тери пишириш корхонаси. *Мирза ҳам ҳали Тавҳидий ўқиган «Ҳикоят»нинг ёзилиш тарихини сўзлаб берди. Маълум бўлишича, у [Мирза Баҳром] яқинда бойвачча билан унга қарашли кўнчиликка борган экан.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

КЎП 1 Сон, миқдор жиҳатидан, меъёрдан ёки нисбатан ортиқ. *Кўп китоб. Кўп одам. Улар биздан кўп.* ▬ *Шунақа кўп латифа, чўпчак, мақол биладики..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда Кўп эртак эшитгандим, Сўзлаб берарди бувим.* Ҳ. Олимжон. *Кичкина чуғурчуқлар шунча кўп қўндиларки, дарахтларнинг шохлари, қишда қалин қор босгандаги сингари, ерга салом бериб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *рвш.* Вақт эътибори билан ортиқ, узоқ вақт давомида; узоқ. *Кўп кутмоқ.* ▬ *..Ўзинг биласан, болам. Кўп ўтирма.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Отабек] Марғилонда кўп тўхтамас, бир кун, узоққа тортилса, икки-уч кун туриб қайтар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эсимда бор, кўп бўлди, ёшлик чоғимда шаҳардаги симкорлар иш ташлаганлар.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 *рвш.* Орадан узоқ вақт ўтмасдан, тез-тез, дам-бадам. *Мен уни кўп кўраман. Улар бизникига кўп келишади.* ▬ *Бўйим етиб, ақлим кирган сайин, шуларни кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Ортиқ даражада, ортиқ; жуда, ғоятда. *Боёқиш кўп яхши одам эди, инсофли, ҳамиятли эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Қози бойга:] Мингбоши додхо сизга қилган беадаблигидан кўп пушаймон.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Баҳор, соғинтирдинг ахир кўп узоқ!* А. Орипов, Йиллар армони.

5 *от взф.* Кўп кишилар, кўпчилик. *Кўпдан қуён қочиб қутулмас.* Мақол. *Кўпга келган тўй.* ▬ *Балки шунинг учун кўплар тайёр уй турганда, иморат соламан, деб шаҳар чеккасига югурар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Гап кўп Бирор нарсанинг моҳиятан, амалда аҳамияти катта, жуда муҳим хусусиятларга эга эканини қайд этади. *Тиббиётда аниқ ва тез фурсатда диагноз қўйишда гап кўп.* Газетадан. **Кўпга бормайди** Кўп давом этмайди, узоққа чўзилмайди, тез барҳам топади. *Бундай мулойимлик кўпга бормайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Кўпга келган тўй** *қ.* **тўй. Кўпи билан** *ёки* **кўп деганда** Кўп бўлса, энг узоғи билан. *Хўп десангиз.. кўпи билан уч-тўрт кечада саранжомлаб ташлайман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўпни кўрган** Кўп воқеа-ҳодисаларни бошидан кечирган, кўп турмуш тажрибасига эга. *Сиз кўпни кўргансиз. Сизни эшитсак, ақлимизга ақл қўшилади, отахон, сўзлайверинг.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гавҳарнинг қаршисида, боя ўзи ўйлагандек, олифта кийинишни яхши кўрадиган қиз эмас, кўпни кўрган, турмушнинг пасту баланд сўқмоқларидан ўтиб келган инсон ўтирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Худо кўп кўрди** *с. т.* Бирор одам ёки нарсадан айрилганда ишлатиладиган ибора. *[Иқбол:] Биргина кўнгил чироғим сиз эдингиз. Худойим сизни ҳам манга кўп кўрса..* Н. Сафаров, Уйғониш.

КЎПАЙИШ 1 Кўпаймоқ фл. ҳар. н.

2 *биол.* Ўзидан кўп насл қолдириш; урчиш. *Жинсий кўпайиш. Жинссиз кўпайиш. Куртакланиш йўли билан кўпайиш. Бўлиниш йўли билан кўпайиш. Кўпайиш аъзолари.*

КЎПАЙМОҚ 1 Сон, миқдор жиҳатдан ортмоқ; ошмоқ. *Даромад кўпайди. Чорва молларининг сони кўпайди.* ▬ *Атрофида тобора одам кўпайиб борар, биров унга узоқдан таъзим қилар.. нотаниш кишилар секин калла силкиб қўярди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Уруш, жанжал кўпаймасин деб, дардимни ичимга ютаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *биол.* Ўзидан кўп насл қолдирмоқ; урчимоқ.

КЎПАЙТИРМОҚ 1 Кўпаймоқ фл. орт. н. *Мевали дарахтларни янада кўпайтирамиз.* ▬ *Мудир гапни кўпайтириб, харидорнинг қонини қайнатмаслик учун, оқсоқланиб, ичкари кириб кетди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 *мат.* Бирор сонни бошқа бир сон ифодалаган миқдор ҳиссасида орттирмоқ, зарб қилмоқ. *Учни иккига кўпайтирмоқ.* ▬

Домла машғулотни давом эттирди. У икки аъзоли сонларни кўпайтиришни ўргатар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎПАЙТИРУВЧИ *мат.* Кўпайтириш амалида: бошқа сонни кўпайтирадиган сон.

КЎПАЙТМА *мат.* Кўпайтириш амалида: икки сонни кўпайтиришдан чиққан натижа.

КЎПАС [*р.* купец – савдогар] *с. т. эск.* Савдогар, бой. *Ҳамма ер Болта кўпаснинг меросхўри Тешабойники.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..дунё, ер-сув эгаси, андижонликларни ер титратган кўпас Миркомил бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎПАЮВЧИ *мат.* Кўпайтириш амалида: бошқа сонга кўпайтириладиган сон.

КЎПБУРЧАК *мат.* Синиқ чизиқлар билан ўралган, тўртдан ортиқ бурчакли геометрик шакл.

КЎПДАН Анчадан бери, кўп вақтдан бери. *Буларнинг бари кўпдан унутилган она қишлоқ манзараси, болалик туйғуларини уйғотадиган қадрдон ҳидлар эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Алимардон кўпдан ўйлаб юрган орзуси чиндан ҳам рўёбга чиқаётганидан қувониб, юраги гурсиллаб уриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЎПИК 1 Маълум сабабларга кўра суюқликларда ҳосил бўладиган майда пуфакчалардан иборат масса. *Сув кўпиги. Пиво кўпиги.* ▬ *[Сой] Ўз йўлида учраган ҳайбатли тошларга зарб билан урилиб, чақмоқ чаққандай, қирғоққа ҳалқа-ҳалқа кўпик сочмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Элмуроднинг: «Шояд Йўлдош билан бир қисмга тушсам, дардлашиб юрар эдик», деган умиди ҳам совун кўпигидай тез ўчди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Одам ёки ҳайвоннинг майда-майда пуфакчали сўлаги. *Комиссар, оғзидан кўпик келиб, пол устида чўзилиб ётарди.* М. Муҳамедов, Кичик гарнизон. *[Ҳўкиз] Ўрнидан қўғала олмай, оғзидан оқ кўпик оқизиб, кўзлари олайиб, бўкириб ётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Маъносиз, қуруқ нарса ҳақида. *Ҳазрат шайхнинг бу кўпик сўзларига бир илжайиб қўйди-ю, яна унга сўз қотди.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎПИКЛАМОҚ 1 *қ.* **кўпикланмоқ.**

2 Терлаб кўпик чиқармоқ, кўпик билан қопланмоқ. *Улар кўпиклаб кетган отларини ўйнатиб, вокзал рўпарасидаги яланг жойга етганларида, мирохўр от бошини тортди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

КЎПИКЛАНМОҚ Кўпик ҳосил қилмоқ. *Кеча тоғларга ёмғир ёққан бўлса керак, сойнинг суви сал лойқаланиб, кўпикланиб, йўлйўлакай хас-чўпларни оқизиб келмоқда эди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. *Анор хиёл энгашиб, кўпикланиб турган сутдан пиёлага қуяр экан, аёллик латофатими.. юрагимни ўртаб юборди.* «Ёшлик».

КЎПИНЧА *рвш.* **1** Кўп ҳолларда, кўп вақт; аксарият. *[Йўлчи] Кўпинча икки марта қатнар, оқшом вақтида, баъзан ундан кечроқ далага қайтар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Элмурод] овга кўпинча Давлатёр билан борарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тез-тез, кўп ўтмай. *Ёдингизда борми, кўпинча чақчайган кўзли бир йигит ишхонамизга уни сўраб борар эди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЎПИРМОҚ 1 *айн.* **кўпикламоқ, кўпикланмоқ.** *Ўктам эса кўпирган, ўкирган сувда бўйнигача ботиб, ҳансираб ишлар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *От чопавериб, кўпириб кетган эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма салб.* Ўта мақтанмоқ, мақтанчоқлик қилмоқ. *[Тожибой] Баъзан «Мадамингов ўттиз йил аминлик қилган бўлса, мен эллик йил советга раислик қиламан», дея кўпириб қўярди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сийқа билимдонлик ва қуруқ кўпириш билан узоққа бориб бўлмайди.* «Муштум».

КЎПИРТИРМОҚ 1 Кўпирмоқ 1 фл. орт. н. *Бир кружка пивони кўпиртириб қуйишга катта илм, ҳунар керак бўлмаса керак.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Йигит.. гавдаси, қулочи билан сувни кўпиртириб, кучли чайқатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Бўрттириб, ошириб гапирмоқ, муболаға қилмоқ. *Аслида, бўлиб ўтган воқеа аҳамиятсиз бир гап эди. Бироқ уни шиширйб, кўпиртириб юбориш мумкин.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Кечирасизлар, Абдукарим – раиснинг лаганбардори, роса кўпиртирса керак, деб ўйларсиз..* С. Аҳмад. Чўл бургути.

Оғиз кўпиртирмоқ 1) бўрттириб, муболаға қилиб гапирмоқ. *Унинг хушмуомалалиги, дилкашлиги тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) мақтанчоқлик қилмоқ, мақтанмоқ. *Механизация тарафдори бўлиб, мажлисларда оғиз кўпир-*

тирадиган акамларни мендан кўра яхшироқ биласизлар. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

КЎПКАРИ *шв. айн.* **улоқ** III **1.** *Қаерда кўпкари бўлса, отлиқларнинг кетидан юради; ўзи чополмайдиганларнинг отини миниб, қурга киради.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

КЎПКАРИЧИ *кам қўлл. қ.* **улоқчи.** *Улоқни олган Содиқжон бойвачча ҳаммадан олдинда, Сулаймон оқсоқол бошлиқ қолган кўпкаричилар уни қуюндай таъқиб қилиб келишарди.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎПКУРАШ Спортнинг бир неча тури ёки бир спорт туридаги бир неча хил машқлар бўйича спорт мусобақаси, беллашув. *Урганч шаҳрида чақириққача ва чақириқ ёшидаги ўсмирлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича Хоразм вилояти биринчилиги ниҳоясига етди.* Газетадан.

КЎПЛАБ *рвш.* Кўп миқдорда. *Бу ҳақда таҳририят кўплаб хат олди.* ▬ *Мақсад давлатга кўплаб оқ олтин — пахта бериш эканини [деҳқонларга] уқтиринглар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бундай далилларни, керак бўлса, жуда кўплаб топишимиз ва ёзишимиз мумкин.* «Муштум».

КЎПЛАР Кўп кишилар; кўпчилик. *Дам олиш кунлари кўплар шаҳар ташқарисига, табиат қучоғида дам олиш учун жўнаб кетадилар.* Газетадан. *Лейтенант Васин қўлига гранаталар кўтариб, танк томонга учиб кетганини кўплар сезмай қолди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

КЎПЛАШМОҚ Кўпчилик бўлмоқ; кўпчилик бўлиб, биргалашиб ҳаракат қилмоқ. *Кўплашиб ишламоқ. Юк машинасини кўплашиб ариқдан чиқариб олдик. Кўплашган ёвни қайтарар.* Мақол. ▬ *-Чивин кўплашса, филни йиқитади, деган гап бор, — деди Эргаш салмоқлаб. — Чумоли бирлашса, чиённинг пўстини титади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аҳолининг ярми хотинлар. Кўплашиб пуфлашса, шамол турғизади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎПЛИК 1 Кўп ҳолат, кўп эканлик. *Ишнинг кўплиги.* ▬ *Кўпларига тирговучлар қўйилган бўлса ҳам, меванинг кўплигидан шохлари синиб, ерга тегиб ётади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шайбонийхоннинг жосуслари кўплиги унга маълум эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *тлш.* Предметнинг бирдан ортиқлигини кўрсатувчи сўз (от) шакли. *Кўплик сон. Кўплик қўшимчаси. Кўплик маъноси* ***-лар*** *қўшимчаси билан ифодаланади: ўқувчилар.*

Кўплик қилмоқ Зарур даража, миқдордан ортиқ бўлмоқ; ортиқчалик қилмоқ. *Бир гап озлик, икки гап кўплик қилади.* ▬ *Бизнинг ваҳмимиз ҳозир ўзимизга кўплик қилади.* «Ёдгор». *Худоёрхон билгани билган. Душман битта бўлса ҳам, кўплик қилади.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎПМОҚ *шв.* Ошмоқ, кўпчимоқ. *Хамир кўпиб қолибди.*

КЎППАК 1 Қўриқловчи итларнинг хашаки бир зоти. *[Мадина] Занжирини узиб юборгудай ташланиб вовуллаётган сўқимдек кўппакнинг дағдағасига ҳам қарамай, ичкарига кирди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

2 Шундай итга нисбатли ҳақоратни (нисбатлашни) билдиради. *Али мешкобчи ичида: «Сен кўппакнинг қўлингдан шу иш келади, албатта», деди-ю, индамай жўнаб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Ҳа ноинсоф, ҳа кўппак! — Қоратой бойни сўка бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎПРИК У қирғоқдан бу қирғоққа ўтиш учун сув, чуқурлик ва ш. к. устига қурилган йўл, қурилма. *Ғишт кўприк. Осма кўприк.* ▬ *Кўприк йўқ экан, дарёдан ўтай деб, [полвон] қайиқчини чақирибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Канал атрофига бетон бостирилибди, устига худди кўклам камалагига ўхшаш янги кўприк қурилибди.* «Гулдаста».

2 *кўчма* Икки томон ўртасидаги, уларни туташтирувчи, шунинг учун хизмат қилувчи нарса. *Бадиий таржима моҳият эътибори билан халқлар ўртасида олтин кўприкдир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Ёши улуғ кишилар катта кўприк бўлади.* «Халқ дурдоналари».

Қил кўприк Диний ақидага кўра, у дунёда жаннатга ўтиладиган ягона йўл, қилдек ингичка кўприк; пули сирот. *Тожибой оқсоқол унинг узилиб қолган гапини эсига солди: -Хўш, тақсир, ана энди, борингки, оқ қўчқорга миниб, эсон-омон қил кўприкдан ҳам ўтиб олдик. Хўш, ундан у ёғи жаннатми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎПТИРМА *шв.* Оширма. *Кўптирма нон.* ▬ *Агар шу кўптирма нондай ерлар чоракорнинг ўзиники бўлса-чи!* А. Қаҳҳор, Сароб.

КЎПТИРМОҚ *шв. айн.* **оширмоқ** II. *Ойим саҳарда туриб, Талай хамир кўптирган. Оқ*

олтин — пахталарни Нормасидан кўп терган. «Қўшиқлар».

КЎПЧИК I *шв.* Эгар устига қўйиладиган ёстиқ. *Омборхонадан от абзалларини: юган, кўпчик, узангили эгарни қўлтиқлаб келдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КЎПЧИК II [*р.* купчая крепость — васиқа] *эск.* Васиқа. *Отангга, Москвага хат ёзсанг, ҳовлимизнинг кўпчиги қаердалигини бир сўрасанг..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

КЎПЧИЛИК 1 Маълум сон ёки миқдордаги киши ёки нарсаларнинг катта, кўп қисми, шундай қисмни ташкил қилувчи кишилар; аксарият. *Ўқувчиларнинг кўпчилиги. Кўпчилик овоз билан сайланмоқ.* ▬ *Йўлчи дўппи бозоридан аравани аранг олиб ўтди: бу ерда зўр тиқилинч, кўпчилиги хотинлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одатда кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганингдан кейин очилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Кўп одам, халойиқ; омма. *Озчилик кўпчиликка бўйсунади. Кўпчилик ўртасида. Кўпчилик бир муштдан урса — ўлдиради, бир бурдадан берса — тўйдиради.* Мақол. ▬ *Ўқувчи, «биз кўпчиликмиз, ўқитувчи ҳаммамизни баравар кўролмайди», деб ўйлайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЎПЧИМОҚ 1 Шишмоқ, бўртмоқ, шишиб кўтарилмоқ (юз, қовоқ ва ш. к. ҳақида). *Кўришаётганда, кўзлари ҳам қизариб қолганини, қовоғи одатдагидан кўпчиброқ турганини кўрди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Башорат етиб келди.. юм-юмалоқ юзи терлаб, қизариб, кўпчиб кетган.* А. Мухтор. Опасингиллар. *..осмондаги ойлар ҳам, кўпчиб ётган ерлар ҳам — бари-бари сеники.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Етилиб, шишиб кўтарилмоқ; етилмоқ (асосан хамир ҳақида). *Махсус автомат машина кўпчиган хамирни зувала қилиб, узиб ташлаяпти.* Газетадан. *Вақти етиб кўпчигач, албат, Тоғорадан тошади хамир.* М. Али, Боқий дунё.

КЎР [*ф.* کور — кўрмайдиган (одам)] **1** Кўриш қобилияти йўқ; сўқир. *Кўр одам. Бир кўзи кўр. Кўр ҳассасини бир йўқотади.* Мақол. *Кўр кўрни қоронғида танийди.* Мақол. ▬ *Бектемир қоронғида, кўр сингари тусмол билан юриб, дарахтга бошини қаттиқ уриб олди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Нарса, воқеа, ҳодиса ва ш. к. нинг моҳиятига тушуна олмайдиган; онги етилмаган, онгсиз, билимсиз. *Сиёсий кўр.* ▬ *Кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирармидим? Қизим, кечир, бу адашган, кўр дадангни кечир!* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРА I **1 Кўрмоқ** фл. рвдш. *Мени кўра ўрнидан турди.* ▬ *-Ўз роҳатимни кўзлаб, сизнинг ошингизни кутиб қолсам, беш кишини, кўра-била туриб, оч қўйган бўламан, — деди Отабек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўм. (ж. к. билан)* Сабаб, асос муносабатини билдиради; асосида, мувофиқ, биноан. *Шунга кўра. Таомилга кўра.* ▬ *Тузилган битимга кўра, Абдулатиф Самарқандга юборилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Отам, ўз касбининг тақозосига кўра, умрининг кўп қисмини сафарларда ўтказган одам.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

3 *кўм. (ч. к. билан)* Қиёс, таққослаш муносабатини билдиради; нисбатан, қараганда. *Сиз буни мендан кўра яхшироқ биласиз. Ундан кўра бу яхшироқ.* ▬ *Пештахталар олдида харидордан кўра кўпроқ уймалашган сотувчилар тилларидан бол томиб, молларини таърифлашади.* Н. Аминов, Суварак. *Масала у ўйлаганидан кўра чуқурроқ кўринарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Меъмор ҳатто ўз ўғли Низомиддиндан кўра ҳам Завракнинг гапларига ишонарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КЎРА II [*ф.* کوره — ўчоқ, ўтхона, печь; кўра] **1** Тунука-темирдан тарнов шаклида ясалган, кабоб пишириладиган асбоб. *Дошқозонлардаги жажжи гумбаздай сап-сариқ паловнинг, кўкиш тутун чиқиб турган кўралардаги сихкабобнинг ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетган.* С. Сиёев, Аваз.

2 Писта кўмир тайёрланадиган чуқур.

3 Темирчи ва заргарларнинг металл эритадиган ўчоғи. *Темирчидан бир кўра билан дам сўраб олди.* «Шарқ юлдузи». *Мана, отанинг лойдан ясалган тўрт бурчакли кўраси, ўчоқдаги кўмирга ҳаво берувчи, эчки терисидан ясалган дами.. устахонадан жой олган.* Газетадан.

4 Зийнатли чинни идиш; ваза. *[Зумрад] Деворларнинг нақшини томоша қилди, кўралар ва ипак гиламларни бир-бир кўздан кечириб, ажабланди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Сиртига турли афсонавий қуш ва ҳайвонларнинг*

суратлари солинган чинни кўралар, идиш-оёқлар токчаларга тизилган. М. Осим, Карвон йўлларида.

5 *шв.* Тунукадан ишланган, оғзи каттароқ жўмраксиз обдаста. *Бола кучи етса – челак судраб, етмаса – кўра кўтариб, саҳнга сув сепар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎРА III *шв.* [*ф.* کوره] Тошлоқ, қумшағалли ерларда сувни тортиб кетадиган ғовак жой; ўпқон. *Даштдаги боғбон суғориш палласи кечасию кундузи шундай кўралар оғзини беркитиш билан банд бўлади.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл. *Боғбонлар «кўра» деб атайдиган, кулдиргичга ўхшаш бундай тешиклардан шағал ўпқони бир зумда бир тегирмон сувни ютиб юборади.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

КЎРАК Ҳали етилмаган пайтида совуқ урган, очилмай қолган кўсак. *Кўрак чувиш машинаси.* ▬ *Далада пахта тугади, энди кўрак узиляпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КЎРГАЗМА 1 Кўриш, томоша қилиш учун қўйилган нарсалар ва шу нарсалар қўйилган жой. *Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси. Кўргазма экспонатлари.* ▬ *Денгизчилар клубида ташкил этилган тасвирий санъат асарлари кўргазмасига одамлар анча серқатнов бўлиб қолишган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 *айн.* **кўрсатма**. *Ўзбекистон Фанлар академиясининг президиуми академияда нашр этиладиган «Ахборотлар», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Фан ва турмуш» журналлари таҳрир ҳайъатларига шу журналларнинг юбилейга бағишлаб махсус сонини чиқариш тўғрисида кўргазма берди.* «ЎТА».

КЎРГАЗМАЛИ 1 Ўргатиш, тушунтиришда намуна тарзида хизмат қиладиган нарса, материалга эга. *Кўргазмали дарс. Кўргазмали машғулот.*

2 (*тўғриси* – **кўргазма**) Кўрсатиш учун фойдаланиладиган, хизмат қиладиган. *Кўргазмали қуроллар.* ▬ *Деворлари кўргазмали материаллар билан безатилган шинамгина хонанинг ҳар иккала деразаси очиқ..* П. Қодиров, Уч илдиз.

КЎРГИЛИК 1 Эрк-ихтиёрдан ташқари ҳолда киши ҳаётида юз берган, юз берадиган кўнгилсиз воқеа, ҳодиса; ҳолат. *-Тирик калланинг бу дунёда кўрадигани кўп экан, ўртоқ Дўсматов, бу ҳам кўргилик-да! – деб оҳ чекиб, куйиниб қўйди Мели полвон.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У барча кўргиликлари учун шу йигит айбдордек, Дилшодни ёмон кўриб қолган..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *дин.* Пешонага ёзилган нарса; тақдир, қисмат. *Дўсмат унга қишлоқдаги аҳвол ҳақида ҳасрат қилди.. ва ҳар сафаргидай: -Ҳай, худо ёзган кўргилик шу экан-да! — деб ҳасратини тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нима қилай, бу ҳам бўлса, пешонага битган бир кўргилик, болам.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

КЎРИК 1 Ижтимоий текшириш; аниқлаш, билиш, баҳолаш текшируви. *Механизаторлар барча машиналарни техника кўригидан ўтказдилар.* ▬ *Баҳодир мактабга етиб келди. Клубда ёш ҳаваскорлар кўриги энди бошланган эди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. *Муҳими шундаки, кўрик натижасида турли касалликларга чалинган беморлар аниқланди.* Газетадан.

2 Ҳаммага кўрсатиш, намойиш қилиш; намойиш. *Бу китоблар кўрикка қўйилганми?*

КЎРИМЛИ *айн.* **кўркам**. *Кўримли бино.* ▬ *Гулбодомларнинг ҳовлиси Халач қишлоғининг энг гавжум, кўримли ерида эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

КЎРИМСИЗ Кўриниши ёқимли эмас; савлати, кўрки йўқ; хунук. *Кўримсиз киши.* ▬ *Тишдан қараганда эски, кўримсиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..мана шу кўримсизгина, қўполгина қишлоқида бор машина ўзида йўқлиги алам қиларди унга.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

КЎРИНАРЛИ Кўриш мумкин бўладиган, кўринадиган, кўриниб турадиган. *Эълонни кўринарли ерга осиш керак.*

Кўзга кўринарли Маълум аҳамиятга эга; эътиборга лойиқ, айтишга арзирли; танилган. *Кўзга кўринарли ишимиз ҳам бор. Унга ярашур қадр-қимматимиз ҳам бор.* Ойдин, Ширинга мактуб. *Аммо туманда бирорта ҳам кўзга кўринарли ҳаваскорлик жамоаси йўқ.* Газетадан.

КЎРИНИШ 1 Кўринмоқ фл. ҳар. н. *Маҳкам ҳозир унинг яна нимадир демоқчи эканини сезди, лекин унга кўринишни ҳам, гапиришни ҳам истамагани учун, бош ирғаб, эшикдан чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ташқи қиёфа; қиёфа. *Қиз, кўринишдан озарбайжон бўлса керак, русча гапирар, гап-*

сўзларидан анчагина саводли эканлиги кўриниб турар эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Раҳим аканинг овозида одатдаги кесатиқдан асар ҳам йўқ, кўриниши серташвиш эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Кўзга кўриниб турган нарса, манзара. *Отабек табиатнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб бир оз ётгандан кейин.. узоқ тин олиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *театр.* Драматик асарда парданинг махсус декорация талаб этувчи ҳар бир қисми. *Иккинчи парданинг бешинчи кўриниши.* ▬ *Бир парда, етти кўринишли шеърий мусиқали драма.* «Гулдаста».

5 Воқеа-ҳодиса кабиларнинг муайян намоён бўлиш ҳолати. *-Ишга совуққонлик, лоқайдлик ҳам, аслини олганда, интизомсизликнинг бир кўриниши, — деди Қурбонова.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Аммо сахийлик билан хасисликнинг бошқача кўринишлари ҳам бўларкан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Кўриниш бермоқ Ўзини кўрсатмоқ, учрашмоқ. *Муродова.. ҳамма нарсани кўриб, билиб келгандан бери Умарали унга кўриниш бермаган эди.* И. Раҳим, Ихлос. *..бирров ўз хонасидан чиқиб келди-ю, кўришиб саломлашганидан кейин, бошқа кўриниш бермади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Кўриниш олмоқ** Қиёфага эга бўлмоқ. *Тошкент зилзиладан кейин янги кўриниш олди.* Газетадан.

КЎРИНМОҚ 1 Кўрмоқ фл. ўзл. н. *Шаҳар узоқдан кўриниб турибди. Шу кунларда нега кам кўринасиз?* ▬ *Бояги совчилар бу фавқулодда муомалани кўринган бировга достон қилиб ўқийдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу Канизакнинг унга қиладиган ҳар бир муомаласидан очиқ-ойдин кўриниб турса ҳам.. бунга ҳеч ким аҳамият бермас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Кўз олдида намоён бўлмоқ, пайдо бўлмоқ. *Остонада Қора Аҳмад кўринди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўзга кўринмоқ 1) тасаввурда гавдаланмоқ, хаёлда намоён бўлмоқ. *Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) *кўчма* эл-юртга танилмоқ; маълум-машҳур бўлмоқ. *Кўзга кўринган олим.* ▬ *Менинг ҳам болам одам бўлди, кўзга кўринди.* «Ёдгор». *Ҳарбий тўнтарилишнинг биринчи кунлариданоқ кўзга кўринган бир неча артист, режиссёр, оператор ва актёрлар ҳалок бўлди.* Газетадан.

3 Тасаввур қилинмоқ, туюлмоқ; ўхшаб кетмоқ. *Она Норматнинг бўйига тикилиб қаради. Кечагина мактабга қатнаб юрган бола бугун онанинг кўзига шер йигит бўлиб кўринди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Авваллари бу иш [самоварчилик] ҳаммага бирам эриш кўринди, бирам ғалати туюлдики, болам бечора Аброр номусларга ўлди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Ёдгорнинг назарида уй янаям совиб кетгандек кўринди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Ўзини шифокорга кўрсатмоқ, шифокор кўрувидан ўтмоқ. *Биз унинг бетоб бўлганини эшитиб, кўргани бордик.. докторга кўринганми, йўқми, сўрадик.* М. Исмоилий, Инсон ҳусни.

Кўзига ҳеч нарса кўринмайди Асабийлашиш, ғазабланиш ва ш. к. натижасида ҳеч нарсага эътибор қилмайди; ҳамма нарсадан кечди. *Раҳимбердининг асаблари ўт бўлиб ёнди, кўзларига ҳеч нарса кўринмади.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. *Мансурнинг ўзи эмасмиди, кунора хатингизни олмасам, ҳеч нима кўзимга кўринмайди, деган?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЎРИЧАК *тиб.* Охири чувалчангсимон ингичка ўсимта — аппендикс ҳосил қилувчи ичак (йўғон ичакнинг бир қисми).

КЎРИШ 1 Кўрмоқ фл. ҳар. н. *Севгилингни кўриш сенга насиб қилмайди, ҳозир ичганинг май эмас, заҳар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *тиб.* Ташқи муҳитдаги нарсаларнинг шакли, катта-кичиклиги, ранги, бир-бирига нисбатан ўрни ва оралиғини аниқлаб, тегишли ҳаракатлар қилишга имкон берадиган физиологик жараён.

КЎРИШМОҚ 1 Кўрмоқ фл. бирг. н. *Сиз билан анчадан бери кўришганимиз йўқ. Болалар кино кўришди.* ▬ *Булар кўприкдан ўтишда ажойиб манзарани кўришди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Салом-алик қилишмоқ, саломлашмоқ. *Исроил, Эминлар ҳам у билан бошқатдан қучоқлашиб кўришдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Хуш келибсиз.. хурсандман, — деди уй эгаси улар билан кўришиб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

3 Учрашмоқ, юз кўришмоқ. *Хайр, эртага кўришамиз. Улар тез-тез кўришиб туришади.* ▬ *-Кўришганимизга анча бўлди, — базўр жавоб берди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *«Шу йигитни кўрсам, бир ғалати бўлиб кетаман», дермиш. Ҳа, Сора ҳам, кўришганларида бир оз ранги ўчарди, дейди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Юз кўришмоқ Бир-бирини кўрмоқ, юзма-юз бўлмоқ. *Эъзозхон уни ўз отаси қатори ҳисоблаб, бу ерга кўчиб келган кунлариданоқ юз кўришган эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

КЎРК Ҳусн, чирой, гўзаллик. *Тоғларнинг беткай томонларида энди гуллаган жийдалар боғларнинг кўркига кўрк қўшарди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

КЎРКАМ Кўриниши ёқимли, чиройли, гўзал. *Кўркам йигит. Қадди-қомати кўркам. Тошкент — республикамизнинг обод ва кўркам шаҳарларидан бири.* ▬ *Онаси ҳали ёш, орқаси билан битта соч, кўркам жувон эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шаҳарнинг шимолидаги кўркам чорбоғ баланд девор билан ўралган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

КЎРКАМЛАШМОҚ Кўркам тусга кирмоқ; гўзаллашмоқ. *Ҳақли равишда дўстлик ва қардошлик шаҳри деб аталаётган Ўзбекистоннинг қадимий ва ҳамиша навқирон пойтахти кўз ўнгимизда кўркамлашиб, ёшариб бормоқда.* Газетадан.

КЎРКАМЛИК Кўрк-чиройга эгалик, кўркам ҳолат. *Анвойи гуллар, ток ишкомлари ва мўъжаз боғлар ажиб файз ва кўркамлик бахш этиб турибди.* Газетадан. *Ёнбағирларни кўзни қамаштирувчи ям-яшил тиниқ сунбуллар кўрпадай қоплаган, булар тепаларда ўсиб ётувчи турли-туман гиёҳлардан ўз кўркамлиги билан ажралиб туради.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

КЎРКЛИ *кам қўлл. айн.* **кўркам**. *Тошкент Осиённинг кўркли ўрнида, Мақталса арзийди, оз эмас, анча.* Ғ. Ғулом. *Қора, қулранг, тилларанг қўзичоқлар бирам кўрклики, кўриб кўзим тўймайди.* М. Назаров, Жўш лочини.

КЎРКСИЗ Кўриниши ёқимсиз, чиройли эмас; хунук. *Хотин Офтоб ойимнинг бу гапидан ҳайрон бўлди ва ўйлаб сўради: -Нима бало, куёвинг кўрксизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эркаксиз уй файзсиз, кўрксиз кўринади кўзга.* М. Алавия, Болаларимнинг отаси.

КЎР-КЎРОНА [*ф.* کورکورانه — кўрларча, ўйламай, фикр юритмай] *рвш.* Мулоҳаза юритмасдан, яхши ўйлаб кўрмасдан. *-Бу гаплар бошқа бировни эслаб туриб, менга айтилган экан. Мен уни кўр-кўрона қабул қилибман, — деди Маҳбуба Маҳмудга.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Ажабо, эл хизматини бажаришга аҳд қилган журналист кўр-кўрона одим ташлаши мумкинми?* М. Жўра, Ноширнома. *Пахта далаларида ўзини оқлаган тажрибани кўр-кўрона шолипояга кўчириш ўринлимикин?* «Ўзбекистон қўриқлари».

КЎРЛАРЧА *айн.* **кўр-кўрона**. *Ҳар номаъқулчиликка кўрларча отиладиган баъзи йигитлар муштларига тупуриб, бирбирларига кўз олайтираркан, кексалар пайқаб қолишди-да, оталарча койиш билан босди-босди қилиб қўйишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРЛИК 1 Кўриш қобилиятининг бутунлай йўқолиши, йўқлиги; сўқирлик. *Кўрлик туғма ва орттирилган бўлади. Орттирилган кўрлик кўз касалликлари.. шунингдек, кўз косаси ва бош мия шикастларидан сўнг пайдо бўлади.* «ЎзМЭ».

2 *кўчма* Нарсалар, воқеа-ҳодисалар моҳиятига тўлиқ тушуна олмаслик; онгсизлик, билимсизлик; бехабарлик. *Сиёсий кўрлик.* ▬ *Лекин [Йўлчи] ўз саводсизлигидан энди жуда чуқур ўксинди: «Мана, бу ўрис китоб билан дардлашиб ётибди, лаби қимирламаса ҳам, гаплаша ётибди.. Эҳ. кўрлик қурсин!»* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРМАНА 1 Келинни ёки янги туғилган болани биринчи марта кўришда яқин кишилар, қариндош-уруғлар томонидан бериладиган совға. *Кўрмана бермоқ.* ▬ *-Тойчоғимнинг кўрманасини чиқар, дадаси, — деди [Ўзбек ойим].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олим бўлган дўстининг табриги ҳамда келин кўрманаси деб, ихчамгина, чиройли бир магнитофонни кўтариб, Собиржон кириб келди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Кўриш (кўргазма) учун қилинган. *Баъзи серҳашам, ялтироқ, кўрмана учун қуриб қўйилган шийпонлардан эмас.* Р. Файзий, Асад либоси. *Баъзилар «Бу машина кўрмана учун қўйилармиш» деса, баъзилар «Тўппа-тўғри Москвага.. [кўргазмага] юборилармиш», деб ўйлади.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

КЎРМОҚ 1 Кўриш қобилиятига эга бўлмоқ, киши ва нарсаларнинг, борлиқнииг кўриниши қандайлигини фарқлай билмоқ. *Икромнинг дадаси Тўймат акани, кўзингиз яхши кўрмас экан, деб олишмади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Отамнинг бир кўзи кўрмай қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Кўз билан илғамоқ, кўз воситасида аниқ фарқламоқ, сезмоқ, билмоқ. *Лекин рашк қитиқлаган кезларда чеҳранг ўзгаради. Мен буни ўз кўзим билан кўрганман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Фотимани устаникидан чиқиб келаётганини кўрганлар аввал ҳайрон бўлишди.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 Танишиш, билиш, аниқлаш ва ш. к. мақсадда кўздан, назардан кечирмоқ; назар солиб текширмоқ; қарамоқ. *Врач касални кўрди. Китобни кўрмоқ.* ▬ *Маллавой ака.. чориғини чироққа солиб кўрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Вакилнинг ўғил боласи раис билан суҳбатлашиб, планни кўриб, палов тўрани еб, йўлига равона бўлади.* «Гулдаста». *Ака, тезроқ кўриб беринг, шошиб турибман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бирор тўхтамга келиш, чора белгилаш учун муҳокама қилмоқ. *Буровнинг аризасини кўрмоқ. Бу масалани мажлисда кўрамиз.*

5 Дуч келтирмоқ, учратмоқ. *Сал кеч қолганингда, кўролмай, армонда кетардим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Вой, ҳароми ноинсоф! Мен бундай мўлтонини сира кўрганим йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ҳол-аҳвол сўраб йўқламоқ. *Беморни кўрмоқ.* ▬ *[Унсин:] Гулнор опани унутмайман сира, уни кўргани тез-тез келиб тураман.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Қурбон ота:] МТСга келганида, [Ўрмонжон] мени кўрмасдан кетмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 Бошдан кечирмоқ; тажрибадан ўтказмоқ. *У кўп қийинчиликларни кўрган киши.* ▬ *-Ҳар қанча дарбадарлик бўлса, мен кўрганман, ўғлимга қолгани йўқ, — деди Сидиқжон.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йигитликда бизнинг бошимиздан ўтган саргузашт шундоқ бўлган, ўғилларим. Бизнинг кўрганларимиз қурсин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

8 Бирор кимса ёки нарсага эга бўлмоқ, эришмоқ, етишмоқ. *Давлат кўрмоқ.* ▬ *Яқин тўрт ойча умр қилдик. Умримда хотин кўрганим ҳам шу.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кампир.. эшикка қаради: -Вой, оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам бормикин!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Менку йилда беш газ чит кўрмайман, келишингизда шу бечорага бир нарса олиб келсангиз-чи сиз ҳам одам бўлиб!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Мен ҳам орзу-ҳавас кўраман, деб сиз билан бир ёстиққа бош қўйганман.* С. Нуров, Нарвон. *Бош бўлинг, сув чиқарайлик, экин қилайлик, оз бўлсаям, оғзимиз ош кўрсин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

9 Томоша қилмоқ, томошабин сифатида кузатмоқ. *Болалар телевизор кўрмоқда. Кеча янги кино кўрдик.* ▬ *Эсингда борми, райондан театр кўриб келаётган кечамиз аравада Сотиболди, ашула айтамиз, деб Канизакни қистади, кўнмагандан кейин, сочидан тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

10 Юз берган воқеага бошқа киши ёки нарсани сабаб қилиб кўрсатмоқ. *Китобни ўзи йўқотиб, мендан кўраётир. Ўзинг қилиб, бировдан кўрма!* ▬ *Чаросни тинч қўясиз. Бўлмаса, ўзингиздан кўринг.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

11 Тажрибада синамоқ, синаб билмоқ. *Ер сотганларнинг кўпини кўрдик, охири гадой бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Вексель деган сўз чиқди. Уни ҳам кўрдик, бениҳоят зарур нарса.* Ойбек, Танланган асарлар.

12 Пайқаб олмоқ, илғамоқ, туймоқ. *Катта кўрмаганни кичик кўради, кичик кўрмаганни катта кўради, иккаласи биргалашиб қараса, ҳеч нарса кўздан қочмайди, дейди халқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дафъатан қулоғига чалиниб қоладиган гап-сўзларда, байту ғазалларда энди бутунлай ўзгача маъно кўради.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Омон мустақил фикрли, чўрткесар, узоқни кўра оладиган, тадбиркор, яхши дўст эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

13 Бирор нарсани таъкидлаш ва унга диққат-эътиборни жалб этиш учун қўлланади. *Ширинлигини кўр!* ▬ *[Набигулнинг акаси:] -Дидни кўринг-а, трафаретнинг рангига мос абажур!* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Болтабой «кўрдингми, яширмайди» деган мазмунда Сидиқжоннинг тиззасини босиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Замоннинг тескарилигини кўринг! Шоҳимардонга очиқ келолмасам!* К. Яшин, Ҳамза.

14 Айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўз билдирган иш-ҳаракатни амалга ошир-

моқ маъносини билдиради. *Чора кўрмоқ. Ҳозирлик кўрмоқ.* ▬ *Бригада аъзолари айни вақтда пахта йиғим-теримига ҳар тарафлама қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.* Газетадан.

15 ..деб ҳисобламоқ, билмоқ; ..деб қарамоқ, тушунмоқ. *Лойиқ кўрмоқ. Мувофиқ кўрмоқ. Раво кўрмоқ. Оз бўлса ҳам, кўп ўрнида кўринг. У йигитни ўзига тенг кўрмади. Барчани баравар кўрмоқ. Мен сени ўз укамдай кўраман.* ▬ *[Йўлчи:] Синглим, ўз уйингдай кўр, тортинма. Кампирнинг юмушларига қараш.* Ойбек, Танланган асарлар. *Камол қози ҳам Сафохон тўранинг гапларига эътироз билдирмасликни маъқул кўрди, шекилли, тек қулоқ солиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза.

16 *кўм. фл. взф.* Ҳаракатнинг синаш учун бажарилишини, бажармаслик ҳақида огоҳлантиришни билдиради. *Синаб кўр. Ўйлаб кўр. Сўраб кўраман. Айта кўрма. Бора кўрмасин.*

Елкамнинг чуқури кўрсин *қ.* **елка. Иш кўрган** *қ.* **иш. Иш кўрмоқ** Иш юритмоқ, иш тутмоқ. *Бундоқ каллани ишлатинг, тулкидек айёр, мушукдек муғамбир бўлинг, зимдан иш кўринг.* К. Яшин, Ҳамза. **Кун кўрмоқ** Ҳаёт кечирмоқ. *Унинг касби ямоқчи бўлиб, зўрға кун кўрар экан.* «Гулдаста». **Кўпни кўрган** *қ.* **кўп. Кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ** Ҳаддан ташқари ёмон кўради. *-Ўзимнинг ҳам тўрани кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ, — деди чилим тортиб туриб Рустам ака.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кўргани (***ёки* **кўришга) кўзи йўқ** Жуда ёмон кўради. *Шерали бундай лоқайд одамларни кўрарга кўзи бўлмаса-да, ҳозир ўзини мумкин қадар босди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Туя кўрдингми — йўқ** Ўзини ҳеч нарса кўрмаган, билмаган қилиб кўрсатиш лозимлигини таъкидлаш учун ишлатиладиган матал. *[Баққол:] Иложи бўлса, яматганингизни айтманг, койиб-нетиб юрмасин тағин. Туя кўрдингми — йўқ, вассалом.* Ойбек, Танланган асарлар. **Узоқни кўрмоқ** *қ.* **узоқ. Хўжа кўрсинга** *қ.* **хўжа. Юз кўрмас бўлиб кетмоқ** *қ.* **юз** I.

КЎРНАМАК [*ф.* کورنمک — яхшиликни билмайдиган, нонкўр] Яхшиликни қадрламайдиган; яхшиликка ёмонлик қиладиган; тузингни ичиб, тузлуғингга тупурадиган; нонкўр. *Тилингга куйдирги чиққур, едириб-ичириб, сендан эшитганим шу бўлдими, кўрнамак.* С. Анорбоев, Оқсой. *Сенларга яхшилик қилганнинг ўзи аҳмоқ! Кўрнамак!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *..ноз-неъматидан, сувидан, еридан, тузидан фойдаланиб туриб, унга нафи тегмаётган кишиларни кўрнамак, ношукур демасдан бўладими ахир!* Ш. Тошматов, Пахтакор, касбингни улуғла.

КЎРНАМАКЛИК Кўрнамакка хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини беҳуда исроф этиш кўрнамаклик, қолаверса, жиноятдир.* С. Маҳкамов, Ноз-неъматни қадрланг.

КЎРОЙДИН Булутлар орқасидан ўтиб тушиб турган хира тарздаги ойдин. *У [Лола] узоқдан алланарсанинг қорасини кўриб қолди-да, кўройдин бўлгани учун, яхши таний олмай, суюнганидан отини чоптириб кетди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. *..кўройдинда қоп-қорайиб ётган даладан илон изи бўлиб кетган оқиш йўлнинг уфқида бир нима «йилт» этди, бир нечта қора кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кўройдин бир кеча. Осмонда пағa-пағa булутлар.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

КЎРОЛМАСЛИК Бошқанинг муваффақиятидан, яхши яшашидан рашк қилиш, унга ҳасад, ғараз туйғуси билан қараш. *Бор бўлсанг — кўролмайди, йўқ бўлсанг — беролмайди.* ▬ *Шундай одамлар борки, ўзларида ҳеч нима йўқ, бошқанинг мулкига ҳасад қилади, кўролмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРПА 1 Ётганда, ухлаганда, совуқдан сақланиш учун устга ёпиладиган, чорбурчак ғилоф ичига пахта солиб қавилган рўзғор буюми. *Духоба кўрпа. Шоҳи кўрпа. Кўрпа қавимоқ. Кўрпага бурканмоқ.* ▬ *-Устимга кўрпа ташла! — деди хотинига у, титроқ товуш билан.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Улар [ҳокимлар] юмшоқ шоҳи кўрпаларда ағанаб, пишиллаб.. ухлашмоқда.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Умуман, устни, юзани қоплаган нарса. *Кечаги қор тинган, ҳудудсиз далалар оппоқ кўрпа остида жимгина ором олмоқда.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Осмондан вариллаб самолёт ўтиб кетди. Кўланкаси йўллар, боғлар, тош ва ариқлар, дарахтларнинг кўрпа бўлиб ётган яшил япроқлари устидан судралиб боряпти.* С. Нуров, Нарвон.

Бир кўрпада катта бўлмоқ Бир оила ёки хонадонда ўсмоқ, ёшликдан бирга яшаб келмоқ. *Шундай пайтда Коля — Қудратнинг*

бир кўрпада катта бўлган оғайниси — жонига ора кирарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Кўрпа кўтарди** *шв.* Малай, югурдак. *Ўринбой қалъачининг.. гумаштаси ва кўрпа кўтардиси бўлган бир киши фаол колхозчи бўлмас.* С. Айний, Қуллар. **Кўрпага қараб оёқ узатмоқ** Ҳол-қудратига қараб, ўз имкониятини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқ. *Сиз учун хижолат чекишни истамайман. Ҳаммамиз ҳам кўрпага қараб оёқ узатганимиз яхши.* С. Абдулла, Соялар. **Кўрпа (-ёстиқ)ни кўтармоқ** Кетмоқ, кўчиб кетмоқ; бадарға бўлмоқ. *Учар бу ердан ҳам кўрпа-ёстиғини кўтарди.* ▬ *Орамизга совуқлик тушади, мана бу ёмон нарса. Кейин мен кўрпа-ёстиғимни кўтариб, қай эшикка бораман?* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир куни бойбува арзимаган сабаб билан уриш чиқарди-да, Холбойга қараб: -Кўрпангни кўтар, гадолар. Тўрт томонинг қибла! — деб дарвозани кўрсатди.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎРПАЛИК 1 Кўрпа қилинадиган, кўрпабоп мато, газлама. *Сатин олдим кўрпалик: Гуллари турлик-турлик.* «Қўшиқлар». *Қаерда яхши духоба ёки чойшаб, кўрпалик ёки чиройли кийимлик борлигини эшитса.. олиб келмагунча тинчимасди.* О. Ёқубов, Гулдаста.

2 Кўрпага етадиган. *Икки кўрпалик атлас* (*сатин*).

КЎРПАЧА Ўтириш учун остга тўшаладиган, узун ғилоф ичига пахта солиб қавилган қалин ва юмшоқ тўшак. *Ўчоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачада, кичкина бир сариқ, бужур одам кўк пиёладан чой ҳўплаб ўтирибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўрпача ёзиб, уни ўтқазгач, «мен ҳозир», деб эшикка чиқиб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум.

Соясига кўрпача солмоқ (*ёки* **ёзмоқ)** Ўта ҳурмат билан, елиб-югуриб хизмат қилмоқ, кутмоқ. *Ўзи шоир экан. Ишқилиб, мақтаб ёзсин-да, деб соясига кўрпача ёзгудек елиб-югуриб хизмат қилдим.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мунча, улуғларнинг соясига кўрпача солмасанг.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КЎРСАТИШ Кўрсатмоқ фл. ҳар. н.

Кўрсатиш олмоши *тлш.* Шахс ёки нарсаларни кўрсатиш, унга ишора қилиш учун қўлланувчи олмош. Мас., *бу, шу, у.*

КЎРСАТКИЧ 1 Кўрсатиш учун хизмат қилувчи ёзув, стрелка ва ш. к. *Йўл кўрсаткич. Кўрсаткич бармоқ.*

2 Бирор нарсанинг ривожи, даражаси, ишнинг бориши, бажарилиши ва ш. к. ни билдирувчи белги ёки нарса, натижа. *Халқ хўжалиги тараққиётининг кўрсаткичлари. Талабалар имтиҳонларда юқори кўрсаткичларга эришдилар.* ▬ *Албатта, ишимизга баҳо берар эканлар, энг олдин кўрсаткичларимиз ва сўнгра аҳволимизни ҳисобга оладилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда тажрибакор кексаларнинг қўшаётган ҳиссалари каттадир.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 *тлш.* Бирор категорияга тааллуқлиликни кўрсатиб турувчи белги; қўшимча. *Грамматик кўрсаткич. Эгалик кўрсаткичи.*

КЎРСАТМА 1 Қандай ҳаракат қилиш, ишлаш лозимлигини кўрсатувчи йўл-йўриқ; қўлланма. *У қоғоздаги кўрсатмадан чекинишни интизомни қўпол равишда бузиш, деб ҳисоблайди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *У «шеф»дан баъзи кўрсатмаларни олгач, аста ўрнидан турар экан, Аъзам Зоҳидович сўраб қолди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Инженер бу ерга ҳар куни келиб, ишни кўрар, Башоратга кўрсатмалар бериб кетар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *ҳуқ.* Тергов-суд жараёнларида бирор аҳамиятли ҳолат ҳақида шахс (гувоҳ ва б.)нинг берган маълумоти; далил. *Гувоҳларнинг кўрсатмасидан маълумки, баҳслашаётган овозлар марҳумларга тегишли эмас.* «Фан ва турмуш».

КЎРСАТМОҚ 1 Кўрмоқ фл. орт. н. *Китобларни кўрсатди.* ▬ *Шогирд йигит Муродни кўрсатди.* Т. Мурод, Оқ от.

2 Намойиш қилмоқ; амалда исботламоқ; билдирмоқ. *Билимдонлигини кўрсатди. Дўстлигини кўрсатди.* ▬ *У [Аҳмаджон] меҳнатга бўлган қобилиятини айниқса колхозда кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бу йигит бошқа ҳеч ишда ўзини кўрсатмаган эди, шу ишга қўйдик, бунда ўзини кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Картина.

3 Далил келтирмоқ, айтиб ёки намойиш қилиб исботламоқ. *Баҳона кўрсатмоқ. Далил кўрсатмоқ. Сабаб кўрсатмоқ.* ▬ *Бунга нима важ кўрсатасиз? Кўрдингизми, кўрсатаётган важингизнинг ўзи важга муҳтож.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Нишон бермоқ; далолат, ишора қилмоқ, билдирмоқ. *Бу нарса кўрсатадики, Мирзакарим отам дунё лаззатини яхши ту-*

шунадилар, яна кўп вақт бу лаззатдан баҳраманд бўлишни истайдилар. Ойбек, Танланган асарлар. *Лекин кечаси кўринган бутун аломатлар душман шитоб билан чекинаётганини кўрсатар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 Бирор иш ёки вазифани бажариш учун бировнинг мувофиқлигини, муносиблигини айтмоқ, номзодини таклиф этмоқ. *Аравакаш.. Йўлчини чақирди: -Катта ойимнинг юмушлари бор экан. Менга буюрган эдилар. Ишим зарурлигидан сизни кўрсатдим. Сиз учрашинг.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 *с. т.* Адабини, таъзирини бермоқ; ўч олмоқ. *Қачонгача овозимни бўғадилар; тирикман — тинчимайман. Кўрсатаман уларга!* Ойбек, Танланган асарлар. *Халойиқ олдида мени беобрў қилишнинг оқибатини сен ит қорига бир кўрсатиб қўяй ҳали!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 «Қилиб», «этиб» равишдошлари билан бирикиб, улар бошқарган сўздан англашилган белги ёки хусусиятга эга эканликни исботлашга, бунга бошқаларни ишонтиришга уринмоқ маъносида ишлатилади. *Бировни ёмон қилиб кўрсатма. Ўзини билармон қилиб кўрсатмоқ.* ▬ *Галкин ўзини қўй оғзидан чўп олмаган қилиб кўрсатишга интилар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

8 Айрим отлар билан бирикиб, шу отлар билдирган иш-ҳаракат, нарсани қилиш, намоён этиш маъносини билдиради. *Ғайрат кўрсатмоқ. Жасорат кўрсатмоқ. Матонат кўрсатмоқ. Таъсир кўрсатмоқ. Қаршилик кўрсатмоқ. Ғамхўрлик кўрсатмоқ. Ҳурмат кўрсатмоқ.* ▬ *Гулнорнинг ғойиб бўлиши Йўлчига яшин урган каби таъсир кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Азизбек:] Бунчалик ғайрат кўрсатган фуқароларга раҳмат, дунё тургунча турсинлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бунда, айниқса, кашмирлик дарвеш жонбозлик кўрсатди.* К. Яшин, Ҳамза.

Жонини кўзига кўрсатмоқ Қаттиқ азоб бермоқ. *-Ислом, мен бу итнинг вангиллашини эшитмоқчиман, жонини кўзига бир кўрсатиб қўй, — деди ғазабдан кўзининг пахтаси чиқиб кетган Эргаш.* К. Яшин, Ҳамза. **Иш кўрсатмоқ** Бирор иш билан ном қозонмоқ, маълум-машҳур бўлмоқ. *Ҳозирги замон иш кўрсатганники.* У. Исмоилов, Сайланма. **Йўл кўрсатмоқ** Йўл-йўриқ тарзидаги фикр айтмоқ, маслаҳат бермоқ. *Ёшларга йўл кўрсатмоқ.* ▬ *Кечирим сўраб, хат ёз, йўл кўрсатади Эргаш.* «Гулдаста». **Кунини кўрсатмоқ** Ниҳоятда қийин (оғир) аҳволга солмоқ, адабини бермоқ. *Сен шошмай тур ҳали.. отамга айтиб бераман, кунингни кўрсатади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Оёғи (***ёки* **оёғининг учи) билан кўрсатмоқ** Кимсани ўта менсимаслик, унга шундай муносабатни билдиради. *..у билган одамлар ё ўзидан паст, ё ўзидан юқори; ўзидан паст одамни оёғи билан кўрсатар, ўзидан юқори одамнинг эса оёғига йиқилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Қорасини кўрсатмайди** Бутунлай кўринмайди, кўриниш бермайди, учрашмайди. *Бу нима гап, қизим? Ақлли, ҳушли, кап-катта йигит бирдан қорасини кўрсатмай кетсин!* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРСАТУВ 1 Кинофильм, телевидение кабилар орқали намойиш қилиш, бериш. *Янги йил кўрсатувларини томоша қилдик.* ▬ *Кўрсатув мобайнида болаларнинг маънавий ва жисмоний камолоти хусусида гап боради.* Газетадан.

2 *айн.* **кўрсатма 2.** *Айбга иқрорлик мазмунидаги кўрсатув синчковлик билан текширилиши лозим.* «ЎзМЭ».

КЎРСИЧҚОН Ер остида яшашга ва узун курак тишлари ер қазишга мосланган, кичкина чала юмуқ кўзлари бор, ўсимликхўр кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Худди кўрсичқон инидан бир неча тешик ясаб қўйгандек, унинг ҳам уч кўча эшиги бўлиб..* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

КЎРФАЗ *геогр.* Океан, денгиз ёки кўлнинг қуруқлик ичкарисига кирган қисми; қўлтиқ. *Кўрганмисиз Орол кўрфазларини, Қамиш оппоқ бўлиб гуллаган маҳал.* А. Мухтор.

КЎРШАПАЛАК [*ф.* كورشبپرک — кўрмай тунда учувчи] Қўлқанотли сутэмизувчиларга мансуб, тунда фаол ҳаёт кечирувчи, кўзи яхши кўрмайдиган, эшитиш аъзоси ривожланган жонивор. *Қоронғи сомонхона, молхоналарнинг шифтида яшириниб ётган кўршапалакларгина энди яйрашар, учишар, пашша овлашар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КЎСА [*ф.* كوسه — сийрак соқол; шундай соқолли одам] **1** Соқол-мўйлови жуда сийрак ёки бутунлай йўқ, чиқмайдиган. *Кўса одам. Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса — қариганини.* Мақол. ▬ *Аравакаш камсо-*

қол, кўсароқ, мулойимгина киши. Ойбек, Болалик. *У ориқ юзлари каҳрабодек сарғайиб кетган, соқол-мўйлаби йўқ, кўса эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Алдар кўса Кўпгина шарқ эртакларининг асосий қаҳрамони – тадбирли ва айёр киши образи.

2 *кўчма* Ўт-ўлани кам, гиёҳ кам чиққан ёки мутлақо унмайдиган. *Эҳе, бу кўса ерлар ҳам шундай гуллаб кетсинки, одамлар бир сайр қилишни орзу қилсин.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КЎСАК Ғўзанинг гулдан сўнг тугадиган, ичида пахта етиладиган, чаноқлардан иборат меваси. *Ғўзалар шоналарини тутиб қолди, Шоналар гулга, гуллар кўсакка айлана бошлади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бир текис ривожланган ғўзанинг ҳар тупида 6-7 тадан кўсак мавжуд.* Газетадан.

КЎСАКЛАМОҚ Кўсак ҳосил қилмоқ, кўсак боғламоқ. *МТС ёнидаги пайкалда ўтган йили ғўза кўкрак бўйи ўсибди, тепасигача кўсаклаб, қарийб ҳаммаси очилибди.* Й. Шамшаров, Қўриқ меъморлари.

КЎСАНАМО [*ф.* كوسه‌نما – кўса кўринишли] Кўсага ўхшаш, соқол-мўйлови сийракроқ. *Кўсанамо бир киши ўтирганларни оғзига қаратиб, нимадир ҳикоя қиларди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ёши йигирма бешлардан ошган бўлса ҳам, юзига ҳали дуруст соқол чиқмаган, кўсанамо Аҳмад танбал оғзини меъморнинг қулоғига яқинлаштириб шивирлади..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

КЎСОВ *шв. қ.* **косов.** *Ғиёсиддин аъламнинг кўсовга ўхшаган қоп-қора қўлларида эса.. устига шойи рўмолчада туз қўйилган каттакон баркаш бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎСТ I [*ф.* كاست – озайиш камайиш; зарар, зиён] *айн.* **кам 3, кам-кўст.** *300 сўм пул юбордим, каму кўстингга ишлат.* «Муштум». *Деҳқон ёки боғбон бозорга олиб келган молини кўтарасига наридан-бери сотади-ю, кам-кўстини харид қилиб, тирикчилигига шошилади.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎСТ II *кам. қўлл.* Бирор нарсанинг ортиқча, ошиқча қисми. *Кўстини қирқиб ташламоқ.*

КЎТАК : кўтак арава Ғилдираклари кичик, пастак арава; дўнгалак арава. *Орқаларида сап-сариқ мўйлови чўччайган Шодмонқул аравакашнинг шалоғи чиққан кўтак араваси кўринди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

КЎТАЛАНГ Ётса туролмайдиган; бедармон. *Кўталанг бузоқ.*

КЎТАРА Бутун борича, яхлит ҳолда ёки катта, кўп миқдорда амалга ошириладиган; улгуржи (олди-сотди, савдо ҳақида). *Кўтара савдо. Кўтара (тарзда) олмоқ. Кўтара сотмоқ.* ▬ *Шу вақтларда Муҳаммадражаб у билан кўтара мол оладиган харидорига қилгандай муомалада бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Кўтара савдо қилмоқ 1) улгуржисига сотмоқ ёки олмоқ; 2) *кўчма* айб бўлса-да, бор гапни очиқ-ойдин, лўнда қилиб айтиб қўя қолмоқ. *-Номаъқул бузоқнинг гўштини ебсан! Билдингми? – деди Очилдов кўтара савдо қилиб.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

КЎТАРАМ *шв.* Кўталанг. *Ҳожи хола зуғум бошлади: -Ҳай, латта бой, кўтарам бўлганмисиз? Мунча ёнингиз ердан узилмайди?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎТАРАСИГА *рвш.* Бутун борича, яхлитича; улгуржи. *Деҳқон ёки боғбон бозорга олиб келган молини кўтарасига наридан-бери сотади-ю, кам-кўстини харид қилиб, тирикчилигига шошилади.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎТАРАФУРУШ Кўтара савдо қилувчи, кўтарасига сотувчи ёки сотиб олувчи. *Кўтарафурушларга асло сотманг, деб қайта-қайта тайинлади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

КЎТАРГИЧ Кўтариш учун ишлатиладиган, кўтарадиган. *Кўтаргич механизм.* ▬ *Давлат пахтачилик махсус конструкторлик бюроси пахтачилик.. учун универсал кўтаргич машина яратди.* Газетадан.

КЎТАРИЛМОҚ 1 Кўтармоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Парда кўтарилди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Беморнинг ҳарорати кўтарилди.* ▬ *Қирқ минг газ кўтарил, золимнинг дори!* «Рустамхон».

2 Юқори томонга ҳаракатланмоқ. *Томга кўтарилмоқ. Қирга кўтарилмоқ. Осмонга кўтарилмоқ.* ▬ *Каптарлар жуда баланд кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлибдилар.* «Чалпак ёққан кун». *Зиёбек бой уйидан чиқиб, йўнғичқазорга келганда, кун аллақачон ботиб, ой терак бўйи кўтарилиб қолган эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Тутун ва кукун кўкка кўтарилиб, қишлоқ ҳавосини бўғиб қўйган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Амал-вазифа жиҳатдан юқориламоқ; мансаби ошмоқ, мартабаси ортмоқ. *Каллали бола экан, мана, ўз устида ишлаб, кўтарилиб кетди.* «Гулдаста». *Мурод Носирович.. кўтарилиб кетган бўлсалар ҳам, мактабимизга тез-тез келиб турадилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 Куч, даража ва ш. к. жиҳатдан ошмоқ. *Кунлар анча узайиб қолди, ҳавонинг ҳарорати кун сайин кўтарилиб, борлиқ мавжудот жонлана бошлади.* Газетадан. *Отлар ўлчовли қадам ташлаб.. илгари босаркан, йигитларнинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаядиган мунгли ашулалари остида мингбоши додҳонинг мияси шу хил фикрлар билан ташвишланарди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

5 Айрим сўзлар билан қўлланиб, шу сўз билдирган иш-ҳаракат, ҳодисанинг юз беришини, юзага келишини билдиради. *Кулги кўтарилди. Шамол кўтарилди. Шовқин кўтарилди.* ▬ *Бир муддат ўтар-ўтмас, даштда тўс-тўполон кўтарилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Катта жанжал кўтарилишига кўзи етиб, шай бўлиб турди.* К. Яшин, Ҳамза.

6 Айрим сўзлар билан бирикканда, йўқ бўлмоқ, тарқалмоқ маъносини билдиради. *Ёдидан (хаёлидан) кўтарилмоқ. Барака кўтарилди.* ▬ *Юртдан инсоф-адолат кўтарилган!* Ойбек, Навоий. *Лекин шу кунлардан бошлаб Собирнинг хаёлидан бош муҳаррирнинг сўзлари кўтарилмай қолди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

Кўнгли кўтарилмоқ Кайфияти чоғ бўлмоқ. *У кечаги фароғатли дамларни яна эслади-ю, кўнгли кўтарилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЎТАРИНКИ Зўр хурсандчилик ва фахрланиш ҳисси билан жонланган; жонли. *Бу оқшом идорада ҳаёт ҳамма вақтдагидан кўра шовқинли ва кўтаринки эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Атрофдаги одамларга қарасам, бошқаларнинг ҳам руҳи кўтаринки, чеҳраси очиқ.* И. Юсупов, Олима билан бирликда. -*Қани, жўнадик!* — *у кўтаринки бир вазиятда қўлларини қовуштирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КЎТАРИНКИЛИК Кўтаринки ҳолат. *Онда-сонда учраб қоладиган руҳий тушкунликни ҳамма ерда мавжуд ғоявий, маънавий кўтаринкилик бир зумда тарқатиб юборади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ҳозирги кўтаринкилик, ҳаяжон шу қадар қудратли эдики, гўё ҳосил тўйига миллионлаб киши қатнашаётгандай.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

КЎТАРМА 1 Кўтариладиган, кўтариб қўйиладиган қилиб қурилган. *Кўтарма кўприк. Кўтарма туғон.*

2 Тупроқдан баланд қилиб, кўтариб ишланган тепалик, ғов, тўсиқ. *Темир йўл кўтармаси. Сув кўтармани ювиб кетди.* ▬ *Кўтарма бошига қайтиб келган йигитлар унга ярим соатда тупроқ босиб, оёқлари билан шиббалаб, сув бузолмайдиган қилиб қўйдилар.* С. Айний, Қуллар. *Кўча бўйларига, кўтарма ариқ ёқаларига ўтқазилган толтераклар савлат тўкиб турибди.* Газетадан.

КЎТАРМАЛИК Ўзини бошқалардан юқори қўйиш, манманлик. *Нега бундай кўтармалик қиласан, шунча пулни ҳавога совурдинг-а, тентак.* «Шарқ юлдузи».

КЎТАРМАЧИ *эск.* Газлама, атторлик моллари ва ш. к. ни қишлоқма-қишлоқ кўтариб юриб сотадиган майда савдогар. -*Лахтакларини катта читфуруш газламачилар арзонроқ баҳо билан кўтармачиларга сотадилар,* — *деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КЎТАРМОҚ 1 Ердан ёки ётган жойидан узиб, ажратиб олмоқ. *Замбар кўтармоқ.* ▬ *Эргаш у билан қучоқлашиб кўришмоқчи бўлган эди. Нормат унинг белидан маҳкам қучоқлади-да, даст кўтариб, уни айвон супасига чиқариб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ердан узилган, ажралган ҳолда тутмоқ, қўлда тутмоқ. *Сумка кўтариб, бозорга бормоқ. Колонна бошида байроқ кўтарган қизлар бормоқда.* ▬ *[Отабек] Отни ахтахонага боғлаб, совға тўлдириб келган ипак хуржунни кўтариб, ичкарига кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Махдум шу сўз билан ичкарига кириб, ҳовли саҳнида чақалоқ кўтариб турган Раъно ёнидан айвонга ўтди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Ўз устида тутган ҳолда юриш-тортиш, элтиш қудратига эга бўлмоқ. *Туя кўп юк кўтаради.* ▬ *Тошхўжа эшон ҳазилакам эшон ўтган эмас, боқиб қўйилган ўн бешта отдан уни фақат иккитасигина кўтара олар эди, холос.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Юқори, баланд ҳолатда тутмоқ, юқорига чиқармоқ. *[Сидиқжон] Бирдан бошини кўтарди ва Канизакка қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Обиджон.. чи-*

роқнинг пилигини кўтариброқ қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Қўл кўтармоқ 1) қўлини юқори ҳолатда (бошдан юқорида) тутмоқ; 2) бировни уришга шайланмоқ; 3) мажлисда бирор масала юзасидан ўз розилигини билдирмоқ, овоз бермоқ.

5 Бирор нарсани уйиб, устма-уст қилиб, устига қўйиб баланд қилмоқ. *Дамбани кўтармоқ. Йўлни кўтармоқ. Марзани кўтармоқ.* ▬ *-Сувни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёғига чим босиб, кўтариб келиш лозим бўлади, — деди Алим бува.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 *кўчма* Оширмоқ, кўпайтирмоқ (куч, даража, нарх-наво ва ш. к. ҳақида). *Нархни кўтармоқ. Температурани кўтармоқ.* ▬ *Кейин овозини пардама-парда кўтариб, дўқ ура кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бригада ҳосилдорликни икки баравар кўтаришга муваффақ бўлди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

7 *кўчма* Мавқеини, ҳол-қудратини, моддий аҳвол ва ш. к. ни яхшиламоқ. *Обрўйини кўтармоқ.* ▬ *[Қодир:] Яхши қилибсиз.. колхознинг аҳволи ёмонга ўхшайди, кўтариш керак.* Уйғун, Навбаҳор.

8 Юқори мансаб ёки лавозимга тайинламоқ, белгиламоқ. *Пастдан юқорига кўтармоқ. Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтариш керак.* ▬ *[Акром ҳожи:] Агарда хон кўтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 *кўчма* Бардош қилмоқ, тоқат қилмоқ; чидамоқ. *Боланинг инжиқлигини онаси кўтаради.* ▬ *Кампирга айтма, кўтаролмайди. [Ёдгорбойдан] Қора хат келган!* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Бош муҳаррир, Раҳим аканинг қобилиятли ходим эканлигини назарда тутиб, баъзи эркаликларини кўтарарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

10 *кўчма* Ҳазм қилмоқ, сингдирмоқ. *Ҳар қанча овқат бўлса, кўтаради — кучи кўп. Бемор паловни кўтаролмади.* ▬ *Томоғи тақиллаб ўтирган дуторчи «кўтармасалар — ичмасинлар» деса ҳам, Набигул унамади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

11 Ёқтирмоқ, суймоқ; тоқат қилмоқ. *Бундан кейин.. ҳар бир ишни мен билан баҳамжиҳат қилинг, ўзбилармонликни кўтармайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

12 *кўчма* Бирор иш-ҳаракат қилишга илҳомлантирмоқ, сафарбар қилмоқ. *Мустамлакачи золимларга... қарши яна халқни кўтарайлик! Қудратнинг ишини охирига етказайлик!* Н. Сафаров, Уйғониш.

13 *кўчма* Ўз устига олмоқ, ўз ҳисобидан тўламоқ (сарф-ҳаражат ҳақида). *Умурзоқ ака: -Болалар бизга шунча ёрдам беришди. Энди.. саёҳат қилиб келишсин. Бутун йўл харажатини колхоз кўтаради, — деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Энди Шоабдуфаттоҳ Хўжаевнинг сарфини ҳам кўтарайликми?* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

14 *кўчма с. т.* Йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, битирмоқ. *Адоватни орадан кўтармоқ.* ▬ *Мусулмонқул.. золимларни ўртадан кўтариб, юртга осойиш берганда, унга ким нима дея олар эди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўртадаги ноқулай жимликни кўтариб ташлаш учун Ғиёсни гапга солди.* К. Яшин, Ҳамза.

15 *кўчма с. т.* Ичмоқ, урмоқ (май ҳақида). *Қадаҳ кўтармоқ.* ▬ *[Равшан полвон] «Хоним» олиб келган коньякдан кўзларини чирт юмиб, бир рюмкасини кўтариб ташлади.* О. Ёқубов, Ларза.

16 *кам қўлл.* Қарзга олмоқ. *Бир пуд ғаллани, топилса, уч пуд ғаллага бўлсаям, жон деб кўтарамиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Матқовул келаси йил ҳосили ҳисобига Ҳакимжон бойваччанинг отаси Латифжонбойдан пул кўтариб, от олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

17 *с. т.* Етиштирмоқ, олмоқ. *Гектар бошига ўн тоннадан ҳосил кўтардик.*

18 Айрим отлар билан бирикиб, шу от билдирган нарсани юзага келтиришни ифодалайди. *Жанжал кўтармоқ. Исён кўтармоқ. Шовқин-сурон кўтармоқ.* ▬ *..шикоят қилақол, бошингни деворга уриб, фарёд кўтар.* К. Яшин, Ҳамза.

Бош кўтармоқ *қ.* **бош. Бошига кўтармоқ** *қ.* **бош. Бурнини кўтармоқ** Манманлик қилмоқ; гердаймоқ. *Улар [Ёрматни] сўкишар эди: -Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап кўтармаслик** Сал гапга жаҳл қилиш одати, жиззакилик. **Кўкка кўтармоқ** *қ.* **кўк. Кўнглини кўтармоқ** *қ.* **кўнгил 1.** *Кўнгилни дўст кўтарар.* Мақол. **Сиркаси сув кўтармайдиган одам** *қ.* **сирка. Уй кўтармоқ** Ҳамма нарсани ташқарига олиб чиқиб, уйларни тозаламоқ, тартибга солмоқ. *Кам-*

пир эгила-букила, терлаб-пишиб уй кўтараётган эди. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

КЎТОҲ [*ф.* کوتاه – қисқа, калта] *эск. кам қўлл.* Калта, қисқа. *Қўли кўтоҳ. Ақли кўтоҳ. Арқонни калтаи кўтоҳ қилиб қирқмоқ.* ▬ *Вайсий сўз кўтоҳ қил, дам урма нодонлар аро.* Увайсий.

КЎТОҲЛИК 1 Кўтоҳ ҳолатлилик; калталик, қисқалик.

2 *шв.* Айбли иш, гуноҳ иш. *Аччиғланиб, полвон неча сўз айтди, Сўраган кишилар уялиб қайтди, Биз билмаймиз: нима кўтоҳлик ўтди.* «Ёдгор».

КЎЧ I Кўчиш пайтида ташиладиган уй-рўзғор буюмларидан иборат юк. *Бир машина кўч.* ▬ *Аматжон бир аравага келин-куёвнинг кўчини ортиб, дарҳол йўлга чиқди.* С. Сиёев, Аваз. *Кўчларни йиғиштир! Аравани қўш! Қувага жўнагаймиз!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Кўч кўтармоқ Рўзғори билан, ўзига тегишли нарса-буюмлар билан бошқа жойга кўчмоқ, кетмоқ. *Саодат турмуш ўртоғи билан кўчини кўтариб, кўп жойларда бўлди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Лобар кўчини кўтариб кетганига йигирма кунча бўлди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

КЎЧ II *эск.* Аҳли аёл, хотин (эрига нисбатан). *[Хотин:] Танисаларингиз керак, ўргулай, мен мирзо Султоналининг кўчлари бўламан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ўғлингиз кўчин(и) суймай турар.* Абулғозий Баҳодирхон, Шажарайи турк.

КЎЧА I [*ф.* كوچه – шаҳар ёки қишлоқ ичидаги йўл] **1** Аҳоли яшайдиган жойларда йўловчилар ўтиб турадиган, транспорт қатнайдиган йўл. *Навоий кўчаси. Собир Раҳимов кўчаси.* ▬ *Чиннигул кўчанинг бир томонидан, энсизгина асфальт тротуардан шошмасдан борар эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Тўхта хола кўчада узоқдан бирин-кетин келаётган икки кишининг қорасини кўрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан.* «Қўшиқлар».

2 Умуман, йўл. *Ҳали мажлис, ҳали ҳаммом қурилиши, ҳали кўчага шағал ётқизиш дейди.* «Гулдаста». *Қир кўчадан тушгунча сурнай овози чиқмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Яшаш, туриш жойидан ташқари бўлган жой, очиқ майдон (уй, ҳовлига нисбатан). *Уйида роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ.* Мақол. *Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич.* Мақол. ▬ *Қишнинг охирги кунлари кўчада қора совуқ билан изғирин юрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ибн Ямин бир куни кўчадан ҳориб-толиб, тажанг бўлиб келди-да.. хотини билан айтишиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

Кўча боласи Умумий таълим-тарбиядан четда қолган бола. *Ўтир бу ёққа! Хўш, сен нима учун кўча болаларига ўхшаб ахлоқсизлик қиласан!* А. Қаҳҳор, Айб кимда? **Кўча эшик** Кўчага чиқиладиган (кўчадан кириладиган) эшик. *Кўча эшикдан кириши билан.. акаси тағин жаҳлини чиқара бошлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўчада қолган** Ташлаб қўйилган, кераксиз. *[Муаттар:] Бугундан қолмай кўчингни кўтар! Олти ойдан бери касал боқамиз. Кўчада қолган нонимиз йўқ.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Кўчасига кирмоқ** Бирор нарса қилиш пайига тушмоқ, дахл қилмоқ, машғул бўлмоқ. *Аблаҳ Тиллабойга энди ишонч қолмабди. Чамамда, феъли айнаб, хиёнат кўчасига кирганга ўхшайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Кўчасидан ўтмоқ** Бирор иш ёки ҳаракат билан шуғулланмоқ; машғул бўлмоқ. *[Муҳаббат:] Турғунжон ака, қўйинг, мен бир умримда савдо кўчасидан ўтган бўлмасам, мени мажбур қилманг.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Оёғим (***ёки* **кавушим) кўчада қолгани йўқ** *ёки* **оёғим кўчада қолибдими** Ҳар қанақа жойга бораверmасликни, унча-мунча жойни назар-писанд қилмасликни ифодалаш учун айтиладиган ибора. *Давранинг тўрида эдим, оёғим кўчада қоптими, деб унча-мунча тўйга бормасдим.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ўзбек ойим унча-мунча тўю азаларга «Кавушим кўчада қолган эмас», деб бормас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хоҳламасанг (***ёки* **истамасанг) – катта кўча** Хоҳламасанг, истамасанг, билганингни қил, хоҳлаган ерингга кетавер; тўрт томонинг қибла.

КЎЧА II *шв.* **: кўча оши** *айн.* **гўжа**.

КЎЧА-КЎЙ Кўча ва умуман уй-ҳовлидан ташқари бўлган жойлар. *[Йўлчининг] Ҳақимни еб кетди бой, деб кўча-кўйда бойни қоралаб юрганлигини [Салимбойваччага] айтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу боланинг кўча-кўйда саланглаб юриши яхши эмас.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

КЎЧАТ 1 Уруғ ёки қаламчадан ўсиб чиққан ёки ўстирилган ва бошқа жойга

олиб ўтқазиладиган ниҳол. *Олма кўчати. Тут кўчати. Райҳон кўчати. Помидор кўчати. Атиргул кўчати. Кўчат ўтқазмоқ.* ▬ *Мана шу анжирнинг кўчатини [раисимиз] Оққўрғондан олдириб келди.* А. Қаҳҳор, Картина. *Бу ойнинг яна бир гўзал фазилатларидан бири шуки, бу даврда кузги кўчат ўтқазиш қизғин паллага киради.* Газетадан. *[Анвар] Болаларнинг дараги билан ҳар кимнинг уйида бўлган янги гуллардан кўчат ва уруғ олиб, йилдан-йилга гулзорни бойитди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Умуман, ёш ниҳол. *Кўм-кўк ғўза кўчатлари, офтобда ёйилган тамаки барглаpидек, орқама-орқа тизилишиб турарди.* Газетадан.

КЎЧАТЗОР Кўчат ўтқазиб қўйилган, кўчат етиштириладиган жой, майдон. *Уруғ кўчатлар чиқариш — баргли дарахтлар юзасидан колхоз кўчатзорларида — 500 минг туп ва давлат кўчатзорларида 600 минг туп.* Газетадан.

КЎЧАТХОНА Кўчат етиштириладиган хона; иссиқхона, парник. *Келгуси йилларда.. ҳар бир хўжаликнинг ўзида кўчатхоналар барпо қилмоқчимиз.* Газетадан.

КЎЧАТЧИЛИК Кўчат етиштириш, хўжаликнинг кўчат етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Косон кўчатчилик хўжалигидаги лагерларда 200 бола дам оляпти.* С. Нуров, Оддий бир кун.

КЎЧИМ *ад.* Бадиий ифодалиликни ошириш учун кўчма маънода қўлланган нутқ бирлиги; киноя, рамз билан қўлланган сўз, ибора.

КЎЧИРИҚ *этн.* Касалдан инс-жинсларни «ҳайдаш» учун қилинадиган иримсирим. *Бахшилар қўбизни чалиб, касалларни кўчириқ қиладилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Жонлиқ сўйиб, қони беморнинг баданига суртилди, кўчириқ қилинди.* «Муштум». *Назирахон домлага ўқитиб, табиби ғайбликни бўйнига олиши керакмиш. Бўлмаса кўчириқ бошланармиш.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

КЎЧИРМА 1 Асл нусхадан ёзиб, чизиб, кўчириб олинган нусха. *Буйруқнинг кўчирмаси. Қарордан кўчирма олмоқ.* ▬ *Сайфиддин ака ўрнидан турди-да, архив материалларидан кўчирма олиб тўпланган папкалардан бири ичидан Георгий Синявский хатининг кўчирмасини топиб ўқий бошлади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Маҳаллий ва марказий газеталардан олинган кўчирмалар билан безатилган нутқнинг ўн минути давомида раис мажлис аҳлини икки марта тартибга чақирди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Бошқанинг ишидан айнан ёки қисман кўчирилган, ўғирланган. *Кўчирма асар.*

Кўчирма гап *тлш.* Ўзганинг ҳеч ўзгаришсиз, айнан берилган гапи.

КЎЧИРМАКАШ *айн.* **кўчирмачи.** *-Айтгандай, ҳув кўчирмакаш ўртоқни нима қилдиларинг, — деб сўради гап орасида.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

КЎЧИРМАКАШЛИК *айн.* **кўчирмачилик.** *-Йўлдош кўчирмакашлик қилиб, она тилидан «икки» олди. Алгебрадан кузги имтиҳонга қолди, — деди Муродов.* Б. Раҳмонов, Қилмиш-қидирмиш.

КЎЧИРМАЧИ Ўзганинг ишини кўчириб олиб, ўзиники қилиб кўрсатувчи киши. *Кўчирмачи шоир.* ▬ *Буни [ўқувчининг ўртоғидан кўчириб олганини] сезмаган ўқитувчи эса кўчирмачи ўқувчига ижобий баҳо қўяди.* Газетадан.

КЎЧИРМАЧИЛИК Ўзганинг ишини кўчириб олиш билан шуғулланиш. *..ақл ва идрок билан ижод қилиш ўрнига кўчирмачилик билан шуғулланиш.. матбуотнинг ўткирлиги ва таъсирчанлигига катта зарар етказади.* Газетадан.

КЎЧИРМОҚ 1 Кўчмоқ фл орт. н. *Қишлоқни шу ерга, янги ариқнинг икки юзига кўчирмоқчимиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ярангдан эски докани кўчирар эканман, бутун баданим зирқираб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Матнни бошқа қоғозга қайта ёзмоқ ёки қайта чизмоқ, ундан нусха, кўчирма олмоқ. *Элмурод.. ҳар жумлани неча қайта ўйлаб, ҳар ёзганини кун сайин яна бошдан кўчириб, республика газетасига мақола тайёрлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гапларда шоирлар ўз янги шеърларидан ўқир, саводли кишилар эса уларни қўлда кўчириб, тарқатардилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 Ўтказмоқ, ўзгартирмоқ. *Тегирмонни ҳам электр билан ишлашга кўчириш лозим..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Инженер-мутахассислар, яримавтомат усулига кўчириш мумкин, деган қарорга келишди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

КЎЧКИ Тош, тупроқ, қор ва ш. к. нинг тоғдан кўчиб, нураб тушадиган уюми. *Муз кўчкиси. Тоғ кўчкиси. Қор кўчкиси.* ▬ *[Мирзакамолиддин] Ўша довонда кўчки тагида қолиб ўлган эмиш.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *У [Холхўжа] мақсадига эриша олмайди — йўлда кўчки остида босилиб, ҳалок бўлади.* Ё. Шукуров, Қасос. *Сув ва кўчкилардан иҳота қилиш учун харсанглардан уйиб ясалган пештоқ бузилган экан.* С. Кароматов, Олтин қум.

КЎЧКИН 1 *қ.* **кўчки**. *Писандмас кўчкин, бало, На зилзила, на вабо.* Миртемир. *Тоғларда бошлайди гулдурос кўчкин.* Э. Охунова.

2 Кўчиб юрувчи, кўчма. *Кўчкин булутларда ўроқ ой сўлғин.* Миртемир.

КЎЧКИНЧИ Ўтадиган, бир жойда турмайдиган, муқим (собит) эмас. *Шаҳарлар боқийдир, умр — ўткинчи, Дарёлар собитдир, сувлар — кўчкинчи.* М. Шайхзода. *Унинг [Умматалининг] севгиси карвондай ўткинчи, селдай кўчкинчи эмас.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

КЎЧ-КЎЛОН *қ.* **кўч-кўрон.** *Орадан бирикки ой ўтар-ўтмас, келини ҳам кўч-кўлонини ортиб, онасиникига кетиб қолди.* С. Зуннунова, Олов. *Икки соатча суҳбатлашиб ўтиргач, Умри холани кўч-кўлони билан Чорвоққа кўчириб келишди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

КЎЧ-КЎРОН Умуман, кўч нарсалари, бошқа жойга кўчганда, бирга олиб бориладиган рўзғор буюмлари. -[*Раҳмат ҳожи*] *Бир неча кун Марғилонда тургандан кейин, хотинини кўч-кўрони билан Тошкентга олиб келибди,— деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Пошша хола.. Йигиталининг кўч-кўрони ортилган машинада у билан янги уйга келди-ю, ичкарига қадам қўйиб, оғзи очилиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

КЎЧМА 1 Бирор жойда турмай, жойдан жойга кўчиб юриб ишлайдиган. *Кўчма устахона. Кўчма кино. Кўчма цирк.* ▬ *Бир йилдан бери чўпонлар учун кўчма кутубхона ташкил қилиб беришларини сўрайман-у, ҳеч бўлмайди-да!* О. Ёқубов, Тоғ қизи. *Аммо Моҳидил кўчма магазинда ароқ сотишни ман қилгандан кейин.. норози бўлганликларини яширмай қўйдилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Мусобақада кейинги ғолибга олиб бериладиган**.** *Кўчма байроқ. Кўчма кубок.*

3 Ўз ўрнидан силжиб, сузиб ёки учиб, бошқа жойга кўчиб юрадиган. *Кўчма муз тоғлари.* ▬ *Орқага қайтиш учун кўчма қумлар орасидан юриш керак.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Эҳтимол, эндигина униб чиққан нимжон ғўзалар кўчма қум остида қолгандир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Кўчма маъно *тлш.* 1) маъно кўчиши асосида келиб чиққан маъно. *Сўз-термин метафорик қўллашдан барқарор кўчма маънога ўтади ва шу маъноси орқали адабий тилда кенг қўлланади.* «ЎТА»; 2) асл (тўғри) маъносидан бошқа маънода (кўчириб) қўллаш билан ҳосил бўлувчи маъно (мас., *қоплон* сўзининг «қўрқмас, эпчил йигит» маъноси кўчма маънодир).

КЎЧМАНЧИ 1 Ўтроқ бўлмаган ҳолда, кўчиб юриб ҳаёт кечирадиган. *Кўчманчи қабила. Кўчманчи қушлар.* ▬ *Қалмоқлар асосан чорвачилик билан шуғулланар, кўчманчи ҳаёт кечирар эди.* Газетадан. *Уй эгаси кўчманчиларга хос меҳмондорлик қилиб, бизни яхшилаб кутиб олди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *айн.* **кўчма**. *Саксовул ўрмонзорлари кўчманчи қумлар йўлини тўсди.* Газетадан. *Улар тўсар ёвуз дарёни Ва кўчманчи барханларни ҳам.* А. Обиджон, Кетмагил.

КЎЧМАНЧИЛИК Кўчиб юриб яшаш, ҳаёт кечириш; шундай ҳаёт тарзи.

КЎЧМОҚ 1 Яшаш жойидан кетмоқ, бошқа яшаш жойига ўтмоқ. *Оловни ковласанг — ўчар, қўшнини ковласанг — кўчар.* Мақол. ▬ *У [Нури].. Ёрмат оиласининг боққа кўчиб кетганини эшитиб, афсус қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ердан ҳеч қачон кўчмайман, сен ҳам кўчмайсан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Умуман, ўрни, манзили ва ш. к. дан бошқасига ўтмоқ, жилмоқ, кетмоқ. *Бу йил қизим бешинчи синфга кўчади.* ▬ *Ана, қоқди қанотин булбул, Келиб қўнди чиройли гулга. Шохдан-шохга кўчади нуқул, Куйи роҳат берар кўнгилга.* И. Муслим. *Куз кириб, уларнинг учрашувлари ишхонага кўчган дастлабки кунлар..* «Ёшлик».

3 *кўчма* Мавзуни, ҳаракатни, яшаш ёки ишлаш тарзини ўзгартирмоқ, бошқасига ўтмоқ. *Ҳадича холанинг «бас, қийнама» деган мазмунда кўз қисишини кўриб, бошқа гапга кўчди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Ёпишган, бириккан жойидан ажрамоқ. *Унинг [масжиднинг] баланд ва сири кўчиб кетган эски устунлик айвонида учтўрт намозхон ўтиришибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Овоз лампочкасининг остидаги қўрғошинлар кўчиб кетибди, янгидан ёпиштирди.* Т. Ашуров, Оқ от.

Енгил (*ёки* **осон) кўчмоқ** Қийинчиликсиз ҳал бўлмоқ, амалга ошмоқ. *Нима бўлганда ҳам, кўнглининг бир чеккасини кирлатиб ётган бу «ота-она орзуси», бир томондан қаралганда, жуда енгил кўчган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу иш ҳам хамирдан қил суғургандек осон кўчди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. **Оғир (***ёки* **қийин) кўчмоқ** Қийинчилик билан содир бўлмоқ; қийин ҳал бўлмоқ; оғир шароитда ўтмоқ. *Бу йил иш яна анча оғир кўчадиганга ўхшайди-а.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Айниқса, қиш билан олишиш жуда-жуда қийин кўчибди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

КЎШАК *шв. айн.* **бўталоқ.** *Туя ўрнини кўшак босади, деганларидек..* М. Қўшжонов, Дийдор.

КЎШИШ [*ф.* کوشش – ҳаракат, уриниш; интилиш; оворагарчилик, ташвиш] **: кўшиш қилмоқ (***ёки* **кўрсатмоқ)** *кам қўлл.* Ҳаракат қилмоқ; интилмоқ, чалишмоқ. *Лекин биз деймизки, турмушимизда бир қадар ислоҳ юзага чиқсин, бемаъни ишларни йўқотайлик, дини исломнинг равнақига кўшиш қилайлик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сал ўтмай англадики.. бу чаққон давлатлар шунчаки Бухорога қайишганлари.. «инсониятнинг манфаатдорлиги» учун унга кўшиш кўрсатишмаяпти.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Болам, дардни касал одам билса, ўзиям тузалишига кўшиш кўрсатар экан.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

КЎШК [*туркий* + *ф.* کوشک – далаҳовли; шаҳар ташқарисидаги қаср]Қадимда баланд, баҳаво қилиб солинган енгил иморат. *Хоразмбоғ ёдгорлиги Хоразм ҳокимининг шаҳар четидаги ёзги кўшки бўлганлигини кўрсатди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Меҳмонлар қадимий кўшкларни эслатувчи икки қаватли бино олдига келиб тўхташди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

КЎҲ [*ф.* کوه – тоғ] *эск. айн.* **тоғ 1.**

Кўҳи Қоф Афсонавий тоғлар; афсонага кўра, ер атрофини ўраб олган буюк тоғлар.

КЎҲЛИ(К) *кам қўлл.* Кўриниши ёқимли; чиройли, хушрўй (асосан одамга нисбатан қўлланади). *-Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, – деди [Раҳмат], – шундоқ кўҳликки, бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас, деб ўйлайман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дилбар звено қизлари орасида ҳам энг кўҳлиги эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эшик очилиб, бир ёшлар чамасидаги ширингина болани кўтариб олган кўҳликкина жувон кириб келди.* Т. Малик, Иблис девори.

КЎҲНА [*ф.* کهنه – эски, қадимги] **1** Узоқ ўтмишдан давом этиб келаётган; қадимий. *Кўҳна қардошлик муносабатлари.* ▬ *Менинг кўз ўнгимда жонланар тарих, Ғамлардан тўқилган шу кўҳна олам.* А. Орипов, Руҳим.

2 Эскириб путурдан кетган; эски. *Арава ҳам кўҳна: ямоқ-ясқоқ ғилдирак темиридан унда-бунда парча-пурча қолган; кегайлари шалоқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дераза олдида кўҳна стол. Бериги дераза ёнида диван.* М. Муҳамедов, Кичик гарнизон.

КЎҲНАРМОҚ *шв. кам. қўлл.* Эскирмоқ; кексайиб кучдан қолмоқ. *Бобой кўхнарган одам: фикриям, яшаш тарзиям эскирган.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.



-**ЛА** *поэт.* "Билан" сўзининг қисқа шакли. *Ой шуъласи-ла мунаввар манзил бир зумда чайқалди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛАБ [*ф.* لب – дудоқ, лаб; чет, қирра] **1** Оғиз бўшлиғининг кириш қисмини чегаралаб турадиган ҳаракатчан тери бурмаси (Ташқи томондан тери, ички томондан шиллиқ пардалар билан қопланган, унинг асосини айланма жойлашган мимика мускули ташкил этади). *Жаҳли чиққанидан лаблари пирпираб, қоши чимирилиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йўлчи найни лабига қўйиб, бутун завқи билан чала кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Лабидан бол томмоқ Жуда ширин, ёқимли гап-сўз қилмоқ, суҳбатда ўта ширин (хуш) муомалада бўлмоқ. *Лабларингиздан бол томади, ёниб турган оловсиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Лабидан кулги аримайди** Доим кулиб турадиган, хушчақчақ шахс ҳақида. *Ҳамзанинг қучоғидан чиқиб, тўлиб-тошиб йиғлади, лекин лабидан кулги аримасди.* К. Яшин, Ҳамза. **Лаби лабига тегмаслик** Жуда тез, бидирлаб гапиришни билдиради. *Лабим лабимга тегмай, "бисмилло"ни бошлаб юбордим* [*деди Ҳожи*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Исмоилов лаби лабига тегмай сайраб кетди.* «Муштум». **Лабини бурмоқ** Эътироз, норозилик белгиси сифатида лабини ҳаракатлантирмоқ. *Абдишукур "шу ҳам гапми", дегандай лабини бурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Канизак лабини буриб, Сидиқжондан юзини ўгирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Лабини йиғиштира олмаслик** Кулгидан ўзини тўхтата олмаслик; оғиз-лабини кулги ҳолатидан тия олмаслик. *Тўпанисо кулгидан лабини йиғиштиролмай, ерга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Идишнинг, идиш оғзининг айлана чети; зиҳ. *Қумғоннинг лаби. Қозон лаби. Лаби учган пиёла. Халтанинг лаби.* ▬ *Олдига лаби учган тақсимчада сув қўйдим.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

3 Қирғоқ, ёқа, чет. *Дарё лаби. Ҳовуз лаби. Кўлнинг лаби.* ▬ *Булоқ лабига ўтириб, ҳовучини очганда, кафтида ғижимланиб ётган ҳўл рўмолчага кўзи тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Катта тик ариқ. Икки лаби тоғ-тоғ тупроқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Ердан баланд ясси сатҳнинг чети, чеккаси. *Томнинг лаби. Супанинг лаби* ▬ [*Йўлчи*] *Айвон лабига ўтириб, бошини қўллари остига олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шербек тепанинг лабига, Оқсойга юзланиб ўтирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛАББАЙ [*а.* لبّيك – "лаббайка" – мана, (оллоҳим) олдингдаман, ҳузурингдаман (ҳаж амалларини бажариш вақтида айтилади)] *унд. с.* Чақириққа, биров чақирганда бериладиган жавоб; ҳа. *Ғуломжон турган ерида "лаббай!" деб жавоб берди-да, ташқарига қараб югурди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Гоҳ телефонга қулоқ солиб, гоҳ ўтирганларга қараб турган секретарь "лаббай" деди-ю, трубкани қўйиб, қоғозларни титкилай бошлади.* «Муштум».

Шошганда лаббай топилмас Шошилиб қолганда нима қилиш, нима дейишни билмасликни, шундай ҳолатни билдирувчи ибора. *Шошганда лаббай топилмаганидек, шахдам юриб, хонага киришди-ю, гапни нимадан бошлашни сўраётгандек, бир-бирларига қараб қолишди.* «Муштум».

2 *юкл. взф.* “Нима дейсиз?”, “нима дедингиз?” каби маънолардаги сўроқни англатади. *Дунёда кампирларнинг дуоларини олайлик-да, лаббай?* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Ҳандалак ўғирлашдаги тажрибаларидан фойдаланиб, бу ердаги ўғриларни тутибдилар-да, лаббай?* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЛАББАЙГЎЙ [*а.+ф.* لبّيكگوى – доим лаббай деб турувчи] Бировнинг гапини, топшириғини доим “лаббай!” деб бажарувчи; итоаткор; лаганбардор. *Лаббайгўй одам.*

ЛАБ-БАЛАБ [*ф.* لبيلب] *айн.* **лаболаб.** *Лаб-балаб тўла.*

ЛАБГАРДОН Сувнинг айланиб, гирдоб бўлиб оқадиган жойи. *..тунда сувнинг равон оқаётганини назорат қиляпти, ариқлар, лабгардонлар, тўғонларга кўз-қулоқ бўлиб турибди.* М. Назаров, Сув – ғўзага дармон. *Агарда Баҳодир ўзини сойга ташлаб, уни қутқариб олмаганда, Саодат шаршаранинг лабгардонига чўкиб, ғарқ бўлиб кетиши ҳам турган гап эди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ЛАБ-ДАҲАН 1 Лаб ва оғиз. *Мавлавий Йўлдош кулгидан лаб-даҳанини йиғиштиролмай қолди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Лаб-даҳани сўлжайиб кетган мулозим: -Шошмай тур, бу гапингни бўрттириб, олий ҳазратларига етказмасам..– деб онт ичиб чиқиб кетди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 *кўчма* Тил, гапириш қобилияти; кимсага гапириб, бирор ишни битириш, ўз гапини маъқул қилиш қобилияти; сўзамоллик. *Гапирсанг-чи, лаб-даҳанинг борми?!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўғил боланинг чечанроқ бўлгани дуруст-да. Лабдаҳани бўлмаса, нонини овлаб топиб ейиши ҳам қийин.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Водилда ҳам бирон қиз билан муҳаббат тўғрисида гаплашмаганман. Лаб-даҳан йўқлигини биласан-у, оғайни.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЛАБ-ДАҲАНЛИ Кимсага гапириб, бирор ишни битказишга қобил, гапини ўринлатиб айтадиган. *Лаб-даҳанли йигит.* ▬ *Мундоқ лаб-даҳанли, қувноқ йигитлардан бўла қолсанг нима қилади!* А. Муҳиддин, Ҳадя.

ЛАБДИР *айн.* **лаванд.**

ЛАБДИРЛИК *айн.* **лавандлик**. *Бу тариқа лабдирлик билан хотин ушлаб бўлурму?* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЛАБЗ *с. т.* Лафз. *-Қойил! – деди ўртанча, – шу лабзингдан қайтмасанг.* Қ. Муҳаммадий. *Ҳа, лабзига содиқ Павел Булгаков беаёв жанглар бўлиб турганига қарамай, Ямангa бориб, соҳиб олдидаги ўзининг маънавий қарзини узгандай бўлди.* «Фан ва турмуш».

ЛАБИР *шв.* Тез сўзлайдиган киши.

ЛАБИРИНТ [*юн.* labyrinthos < Labyrinthos – юнон мифологиясида: Крит оролидаги сирли, ғаройиб саройнинг номи] **1** Бир-бирига ўхшаш кўплаб хоналари, киши юрса адашиб қоладиган чалкаш йўллари бўлган улкан иншоот, қурилма.

2 *анат.* Қулоқ ичидаги тоғай-суякдан иборат чиғаноқсимон қисм; ички қулоқ.

ЛАБ-ЛУНЖ Лаб ва лунж. *-Қишлоқи бўлсанг ҳам, бир маҳмадонасанки.. – дедида, Шарофатхон лаб-лунжини буриб, ортиқча кибрли юриш билан чиқиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Лаб-лунжи осилмоқ Хафа бўлмоқ, қовоғи солинмоқ. *Бугун у ваҳим бўлган кишидай ҳар нарсадан чўчиб, қўрқиб, ҳадиксираб, лаб-лунжи осилиб юрган кечаги Мадумар мингбошига сира ўхшамас эди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛАБОЛАБ [*ф.* لبالب – лабигача, охиригача, тўла] *кт.* Лабигача тўла, лиқ тўла, лиммо-лим. *Дарвешали, кўнглингиз ҳар чоғ эл муҳаббати билан лаболаб тўлсин.* Ойбек, Навоий. *Гоҳ тўлиб йиғларман равзадил, Лаболаб этди тун чоғирим.* Ҳ. Абдуназар, Анжир гули.

ЛАБОРАНТ [*лот.* laborans, laborantis – ишловчи] **1** Лаборатория ёки илмий муассасада илмий-техник ишларни бажарувчи ходим. *Фонокабинет лаборанти Рустам.. унга бир жойнинг дарагини айтди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Лаборатория машғулотлари вақтида профессор ёки ўқитувчига керакли асбоб, препарат ва ш. к. ни тайёрлаб берувчи ёрдамчи ходим. *Кимё кафедрасининг лаборанти.*

ЛАБОРАНТЛИК Лаборант иши, вазифаси. *Икки ойдан кейин кимё факультети лабораториясида лаборантлик қилаётган курсдоши Қудрат уни паноҳ тортиб келди.* «Саодат».

ЛАБОРАТОРИЯ [*лот.* laboratorium < laborare – ишламоқ] **1** Илмий текширишлар, тажрибалар, амалий машғулотлар ўтказиш учун керакли аппарат ва асбоблар билан

жиҳозланган илмий муассаса ёки унинг бўлими ва улар жойлашган бино. *Кимё лабораторияси. Физика лабораторияси.* ▬ *Лабораторияда ўша кунлари вилтга қарши янги препаратнинг химиявий анализлари ўтказилаётган эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 *кўчма* Ёзувчи, рассом ва ш.к. нинг ижодий фаолият соҳаси. *Ёзувчининг ижодий лабораторияси.*

ЛАВА I [*итал.* lava < *лот.* labes – ўпирилиш; йиқилиш; кўчки] Вулкандан отилиб чиқадиган, эриган ёки жуда ёпишқоқ тоғ жинси. *Лавалар отилар. Чексиз ҳарорат..* Ж. Жабборов.

ЛАВА II Шахтада кўмир ёки бошқа фойдали қазилма қатламини ёппасига қазиладиган жой. *Қайноқ лавада транспортёр лентасига бетўхтов кўмир ташлашга, смена тугагунча уни ўн икки-ўн уч тоннага етказишга ҳар кимнинг ҳам бардоши етавермайди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

ЛАВАНГ *с. т.* Лаванд. *У* [*ўгай она*] *гўзал Гулнорани ўзининг ношуд, лаванг ўғлига турмушга бермоқчи бўлди.* Б. Насриддинов, Эртакнинг қайта туғилиши.

ЛАВАНД [*ф.* لوند – бўш, дангаса; бекорчи] Ўзини-ўзи удда қилолмайдиган, қўлидан бирор иш келмайдиган; шалвираган, бўшанг, ношуд. *Боқ энди ибрат ила, бўлма кўп лаванду гўл.* Ҳабибий.

ЛАВВОҲ [*а.* لوّاح – лойиҳачи; лавҳа тайёрловчи] *эск.* Қўлёзма китоб саҳифаларини тасвир ва нақшинкор лавҳалар билан безовчи, саҳифаларга жило берувчи уста, рассом.

ЛАВЛАГИ Сабзавот ўсимликларидан бири ва унинг озуқа, овқат учун ишлатиладиган илдизмеваси, ҳосили. *Оқ лавлаги. Қизил лавлаги.* ▬ *Ошни ўзларингга айтиб кетсам, қилаверар эканси злар. Лекин сабзи йўқ, ўрнига лавлаги соласиз.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Қанд лавлаги Лавлагининг қанд, шакар тайёрлаш учун ишлатиладиган оқ ширин нави.

Лавлаги бўлиб кетмоқ *ёки* **лавлагиси чиқиб кетмоқ** Уятдан ёки ҳароратдан юзларига қизиллик ёйилмоқ, қизариб кетмоқ. *Мен уялиб, қип-қизил лавлаги бўлиб кетган эдим.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ЛАВЛАГИКОР Лавлаги экиш, лавлаги ҳосили етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон ёки хўжалик.

ЛАВЛАГИКОРЛИК Лавлаги етиштириш иши.

ЛАВОЗИМ [*а.* لوازم – керакли, зарурий нарсалар] *кт.* Муассаса, идора, ташкилот ва ш. к. да бирор расмий хизматни бажариш билан боғлиқ бўлган ўрин, вазифа ўрни; амал, мансаб. *Раислик лавозими. Раҳбарлик лавозими. Президентлик лавозими.* ▬ *Бу вазифа улуғ лавозим тариқасида фақат шу кишига муяссар бўлган.* У. Исмоилов, Сайланма.

ЛАВОЗИМСИЗ: **лавозимсиз министр** Баъзи мамлакатларда: махсус топшириқларни бажарувчи, муайян тармоққа тайинланмаган министр.

ЛАВР [*лот.* laurus] *бот. айн.* **дафна**. *Барги бир оз лавр баргига, гуллари эса сирень гулларига ўхшаш.* «Фан ва турмуш».

2 Шу дарахтнинг барглари ва новдаларидан қилинган ва шуҳрат, ғалаба белгиси ёки олий мукофот сифатида ғолиб кишининг бўйнига осиб қўйиладиган чамбар.

ЛАВСАН [*р.* "Лаборатория высокомолекулярных соединений Академии наук СССР" бирикмасидан ҳосил қилинган қисқартма сўз] **1** Нефть маҳсулотини қайта ишлаш йўли билан олинадиган синтетик тола тури. *Могилёв шаҳрида йилига 50 минг тонна лавсан ишлаб чиқарадиган катта синтетик тола комбинати қуриш режалаштирилмоқда.* Газетадан.

2 Шундай толадан тўқилган мато. *Сўнгги йилларда синтетик материаллар – жун билан кимёвий толалар бирикмасидан тўқилган матолар, нитрон, капрон, лавсан, креплар ва сунъий шоҳилар урф бўлиб бармоқда.* «Саодат».

ЛАВҲ [*а.* لوح – ёйиқ нарса, тахта; ёзув тахтаси] *эск.* Китобни (қўлёзмани) қўйиб ўқиш учун ясалган махсус мослама. *Кичик Алишер лавҳ устига Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут-тайр"* [*Қушлар тили*] *номли китобини қўйиб ўқимоқда эди.* Газетадан.

ЛАВҲА [*а.* لوحه – тахта; устига бирор нарса ёзилган тахтача; пешлавҳа] **1** Силлиқланган тош ёки металл тахта. *Оппоқ мармар лавҳа устига қўйилган сиёҳдон жуда ярашиғлиқ эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Хотира ёки қисқача тарихий маълумот ёзиб, бирор жойга ўрнатиб қўйилган тош ёки металл тахта ва унга ёзилган матн, хат. *Қаҳрамон хотирасига ўрнатилган лавҳа.* ▬ *Қутидор лавҳа қаршисида эди. Лавҳани ўқиб*

чиққандан кейин у ҳам пиқ-пиқ йиғлаб юборди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Воқеа, ҳодиса ва ш. к. ҳақидаги кичик асар ёки парча. *Кино лавҳа. Пахтакорлар ҳаёти ҳақида лавҳалар.* ▬ *Хаёлимнинг олтин қайиғи Сузар экан бағрингда мағрур, Жилва билан кекса тарихнинг Лавҳалари бир-бир кўринур.* Уйғун. *У отасининг суҳбатини севар, гражданлар урушига доир лавҳаларни севиб тинглар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 *полигр.* Китобнинг бошига, боб ва фаслларининг аввалига саҳифанинг эни бўйлаб солинган нақш.

5 Кўриниш, манзара. *"Тезгузар" да бўлдим. Ўтмиш асрларнинг харобазор, ваҳима, чўл лавҳаларидан из ҳам қолмаган.* Туйғун, Йиллар ва кишилар. *Навоий.. ҳаёт лавҳалари ва табиат манзараларини тасвирлашда ҳам моҳир санъаткордир.* «Ватан адабиёти».

ЛАГАН [*ф.* لگن – тоғора, идиш; шамдон] **1** Қуюқ таомлар солиш учун мўлжалланган, тарелкадан катта ясси идиш. *Мис лаган. Сопол лаган. Чинни лаган.* ▬ *Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти чиқариб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *шв.* Косадан катта, ичи чуқур сопол идиш; товоқ. *Бошларида қатиқ ивитиладиган лаган.. билан ялангоёқ, кир, жулдур кийимли болалар шипиллаб ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ўзини лаганга солмоқ Ўз қадрини, "баҳо"сини оширишга қаратилган хатти-ҳаракат, қилиқ қилмоқ. *..Хомтамалик билан ўзини лаганга сола бошлаган бу бетайин одамдан ихлоси қайтиб жўнаётган эди, Бўрибой йўлини тўсди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЛАГАНБАРДОР [лаган + *ф.* بردار – баланд кўтарувчи; кўтариб, олиб борувчи] Ўз манфаати учун мансабдор олдида ўзини жуда тубан тутиб, унга хушомад қилишга тиришадиган пасткаш одам; хушомадгўй. *"Ҳа" деса, "лаббай!" дейдиган, сўз қайтармас лаганбардорлари унинг [Тўқсоновнинг] парвоз қилишини таъминлайдиган қанот бўлиб кўринадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛАГАНБАРДОРЛАРЧА Лаганбардорлик билан, лаганбардор кишиларга хос ҳолда. *Лаганбардорларча муомала қилмоқ.* ▬ *Бошқалар бойваччанинг гапини лаганбардорларча бош қимирлатиб маъқулладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛАГАНБАРДОРЛИК Лаганбардорга хос хислат, хатти-ҳаракат; хушомадгўйлик. *Раҳим аканинг ҳамма қилиғида – намойишкорона лаганбардорлигида, хушомадгўйлигида, ваҳималигида бир қадар майнавозчилик бор эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЛАГЕРЬ [*нем.* Lager – ўрин, жой; қароргоҳ; омбор] **1** Қўшиннинг аҳоли яшамайдиган ердаги вақтинча қароргоҳи. *Бу ердаги ҳаёт фронтдан минглaрча километр узоқда, мамлакат ичкарисида бўлган ўша лагерь ҳаётидан ҳам осойиштароқ эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Вақтинча туриш учун қурилган жой, вақтинча қароргоҳ. *Туристлар лагери. Альпинистлар лагери. Қочоқлар лагери.*

3 Маҳбуслар ва ҳарбий асирлар сақланадиган жой. *Ахлоқ тузатиш-меҳнат лагери. Ҳарбий асирлар лагери.*

4 *кўчма* Муайян бир маслакдаги ижтимоий-сиёсий гуруҳ; ҳаммаслак кишилар тўдаси. *Тинчлик тарафдорлари лагери.*

ЛАЁҚАТ [*а.* لياقت – мувофиқлик, ярoқлилик; яхши фазилат] **1** Бирор ишга ярoқлилик, қодирлик; қобилият. *Ўқишга лаёқат. Ишга лаёқати йўқ одам.* ▬ *Бой тоғанинг ҳамма юмушларини яхши бажаргани ва меҳнатга лаёқатини, уқувини яққол кўрсатгани учун бой унга [Йўлчига] катта ерга чиқиб, пахтада ишлашга буйруқ берган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **истеъдод**. *..олимлик узиб еса бўладиган олма эмас. Бунга лаёқат керак..* И. Раҳим, Ҳилола.

ЛАЁҚАТЛИ 1 Бирор ишга қобилияти бор. *Бу маҳалда жанг қилишга лаёқатли ёлғиз ўзи қолган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *айн.* **истеъдодли**. *Лаёқатли бола.*

3 Фойдаланишга, ишлатишга ярайдиган, ярoқли. *Элмурод дарахт кесиб, ботқоқликка ётқизишга буйруқ берди. Болтадан бошқа кесишга лаёқатли асбоб йўқ эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЛАЁҚАТСИЗ 1 Бирор ишни бажариш қўлидан келмайдиган; қобилиятсиз. *Меҳнатга лаёқатсиз киши.*

2 *айн.* **истеъдодсиз.**

ЛАЗАРЕТ [*фр.* lazaret, *итал.* lazzaretto < lazzaro – мохов; дастлаб "моховлар касалхонаси" маъносида қўлланган] Ҳарбий қисмлардаги ярадорлар ва беморларни вақтинча ётқизиб даволайдиган кичкина ши-

фохона. *Шаҳар майдонларидан бирига — немислар томонидан лазаретга мослаштирилган мактаб биноси олдига.. итлари билан келиб тўхтади.* Газетадан.

ЛАЗГИ Хоразмнинг шўх, жозибадор куйларидан бири ва шу куй-оҳанг бўйича ижро этиладиган рақс номи. *Бир оздан сўнг Хоразмнинг ўйноқи куйлари чалиниб, шўх лазги бошланди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛАЗГИН 1 Доғистонда яшайдиган кавказ халқларидан бирининг номи. *Лазгин халқи.*

2 Шу халққа мансуб. *Лазгин тили.*

ЛАЗГИНЛАР Доғистонда яшайдиган кавказ халқларидан бири.

ЛАЗГИНЧА 1 Лазгинларга, лазгин тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Лазгинча кийим. Лазгинча рақс.*

2 Лазгин тили. *Лазгинча(ни) биласизми? Лазгинча гапирмоқ.*

ЛАЗЕР [*ингл.* lazer <light amplification by stimulated emission of radiation (мажбурий нурланиш оқибатида ёруғликнинг кўпайиши, кучайиши) сўзлар бирикмасидаги бош ҳарфларни қўшиш орқали ҳосил қилинган] Аниқ узунликдаги тўлқинга эга, жуда энсиз ва кучли тарамли нур манбаи бўлган оптик квант генератор (техника, алоқа ва тиббиётда кенг қўлланади). *Маълум бўлишича, ўзини фанга бахшида этган бу олим яримўтказгичлар лазерини кашф этибди.* Газетадан.

ЛАЗЗАТ [*а.* لذّت — тотлилик, ширинлилик; ёқимтойлик; ҳузур-ҳаловат] **1** Нарсаларнинг маза-таъм билиш аъзолари орқали сезиладиган хусусияти; маза, таъм. *Овқатнинг лаззати. Анжирнинг лаззати.*

2 *кўчма* Ҳузур-ҳаловат ҳисси; маза, нашъа, завқ. *Меҳнат лаззати. Дунё лаззатлари. Уйқу лаззати. Осон ишда лаззат бўлмайди.* ▬ *Соҳилларни айланиб, Ўтирамиз оқшомлар. Кеч лаззатига қониб, Роҳатланади танлар.* Т. Тўла. *Аҳмад кўзини юмди. Бутун вужуди бўйлаб лаззат таралгандек бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Лаззат (хотин-қизлар исми).

ЛАЗЗАТЛАНМОҚ Лаззат олмоқ, лаззат ҳиссини туймоқ. *Комилнинг бундай парвосиз ўтиришини, бунинг устига, шеър ўқиб лаззатланаётганини кўрган Бўронбекнинг оғзи очилиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЛАЗЗАТЛИ 1 Мазаси (таъми) жуда яхши; ширин, тотли. *Лаззатли шўрва. Лаззатли мева.* ▬ *Меҳмонлар лаззатли овқатларни хўп ейишди, ичишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган; ҳузурли, нашъали, завқли. *Лаззатли ҳаёт. Лаззатли суҳбат. Лаззатли онлар.* ▬ *Бу дақиқалар унга ҳам лаззатли, ҳам азобли туюларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЛАЗЗАТСИЗ 1 Бемаза, таъмсиз. *Лаззатсиз овқат.*

2 *кўчма* Ҳузур-ҳаловатсиз, завқсиз. *Лаззатсиз турмуш.*

ЛАЗИЗ [*а.* لذيذ — лаззатли, тотли; нозик] **1** *кт.* Мазаси ёқимли; ширин, лаззатли. *Уламолар эса, гўё уч кундан бери туз тотмагандай, лазиз овқатларга чигирткадай ёпирилиб ура бошладилар.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма* Ҳузур бағишлайдиган; тотли. *Адҳамнинг аспирантурада қолиши аниқлангандан кейин, улар аҳду паймонлар билан тўлиб тошган лазиз оила ҳаётини бошлаб юборишди.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

3 Лазиз (эркаклар исми).

ЛАИН [*а.* لعين — лаънатланган] *кт.* Лаънатланган, қарғиш олган; лаънати.

Шайтони лаин 1) *дин.* лаънатланган (худонинг даргоҳидан қувилган) шайтон. *Ҳой, мусулмонла-ар! Тарсо Авазнинг дўконига йўламанглар! Ул шайтони лаин бирла тил бириктирган.* С. Сиёев, Аваз; 2) *кўчма* ўтакетган фирибгар, ҳийлагар, қаллоб. *-Сен шайтони лаинсан.. энди билдим, хоинлар билан ҳамтовоқ бўлгансан, — деди Абдувоҳид.* Ойбек, Нур қидириб.

ЛАЙЛАК [*ф.* لكلك ёки *а.* لقلق] **1** Узун оёқли қушлар туркумига мансуб, тумшуғи ва оёғи узун, парлари ола (оқ ва қора аралаш) катта қуш. *Лайлак уяси. Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ.* Мақол.

2 *махс.* Баландга юк чиқариш учун қурилган, таянчиғи ўртасида бўлган ричагга ўхшаш мослама.

Лайлак бўлмоқ *с. т.* Олди осмонга, кети ерга бўлиб қолмоқ (мас., арава ҳақида). *Тўзон босилганда қарашса, машина кузови кўтарилганча.. қияликнинг энг четида шундоқ лайлак бўлганича, омонат туриб қолибди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Раззоқ сарой этагида лайлак бўлиб тиккайган аравани кўздан кечирди-да: -Қўшса бўладими? — деб сўради.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Лайлак варрак** Ромб шаклида ясалган варрак. **Лайлак қор** Йирик, пилта-пилта

бўлиб ёғадиган қор. *Ўрик қийғоч гуллаган кунлари бирдан ҳаво совиб, лайлак қор ёғиб юборди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЛАЙЛАТУЛҚАДР [*а.* ليلة القدر – қадр кечаси] *дин.* Рамазон ойининг муқаддас саналувчи йигирма еттинчи туни. *Рамазон ойининг 27-кечаси "лайлатулқадр", яъни "қадр кечаси" саналар эди.* Т. Қори-Ниёзий, Ҳаёт мактаби.

ЛАЙНЕР [*ингл.* liner < line – чизиқ, йўл] **1** Муайян бир йўлдан қатнаб, юк ёки йўловчи ташийдиган катта тезюрар кема.

2 Узоқ масофага маълум йўналишда катта тезликда учувчи кўп ўринли йўловчи самолёти. *Қудратли лайнеримиз мовий осмон бағрида сокин учиб кетмоқда.* В. Зоҳидов, Сени соғиниб.

Ҳаво лайнери *айн.* **лайнер 2.** *Бундан фақат бир неча соат илгари парвоз қилган кумушсимон ҳаво лайнери ерга қўнди.* Газетадан.

ЛАЙЧА 1 Кичкина, ихчам пастак уй ити. *Булардан ташқари, фақат уйнинг зийнати учун боқиладиган.. битта лайча кучук.. битта бароқ мушук.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма салб.* Бировнинг ҳар қандай топшириғини кўр-кўрона сўзсиз бажаришга тайёр киши; югурдак, малай. *Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛАК [*ф.* لک – юз минг < *ҳинд.*] *эск.* Юз минг. *Ғози Абдулкарим подшо Араб вилоятида.. худо йўлида жанг қилувчи икки лак аскар пайдо қилди..* С. Айний, Дохунда.

ЛАКАЛОВ *с. т.* Лақма, меров; ландавур. *Лакалов одам.* ▬ *Аввалига мен ҳам лакалов, ишонмасдан лақиллар эдим.* М. Али.

ЛАК-ЛАК Юз мингларча, беадад, кўп, сон-саноқсиз, беҳисоб. *Лак-лак одам. Лак-лак пул.* ▬ *Сен лак-лак қўшинга саркарда бўладиган бўлимли йигитсан.* Ойбек, Навоий.

ЛАКЛУК *с. т. айн.* **тилча 2.**

ЛАКМУС [*голл.* lakmoes – бўёқ томчиси, сачраши] *ким.* Баъзи ўсимликлардан олинадиган бўёвчи модда; сувдаги эритмаси кислотада қизил, ишқорда кўк тусга киради.

Лакмус қоғоз Лакмус эритмаси шимдирилган қоғоз (кислота ва ишқорни аниқлаш учун ишлатилади).

ЛАКОТ [*ф.* لكات – яроқсиз, бузилган]: **лакот бўлмоқ** *кам қўлл.* Бўшашмоқ, ланж бўлмоқ.

ЛАКТАЦИЯ [*лот.* lactatio < lactare – таркибида сут бўлмоқ; сут бермоқ; эмизмоқ] Аёлларда ва сутэмизувчи ҳайвонларда туғруқдан кейинги даврда сут ҳосил бўлиши, йиғилиши ва даврий равишда ажралиб чиқиши.

ЛАЛЛАЙГАН 1 Лаллаймоқ фл. сфдш.

2 Жуда бўш, уддаси йўқ; ношуд, бўшашган. *"Сен бировни алдамасанг, бошқалар сени алдайди.." деб ўйларди Азиза лаллайган бу йигитни кўриб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Эй, лаллайган, лапашанг, гўл! Оғзингга чайнаб соламанми сенинг!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ЛАЛЛАЙМОҚ Бўшашмоқ, шалвирамоқ; анқаймоқ. *Лаллаймай ўл! Бўлғуси куёв ҳам шунақа бўладими?!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Аммамнинг бузоғидай лаллайиб турмай, чиқиб қарасанг ўласанми!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛАЛМИ 1 Суғорилмайдиган, сувсиз, ёғиндан сув ичадиган; баҳори (ер ёки ғалла ҳақида). *Турбат қишлоғининг кўп ерлари сувсиз бўлиб, аҳолиси лалми буғдой экар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Лалми даштга йўл олдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 *кўчма шв.* Қуруқ. *Мен катталар хўжа кўрсинга лалми дўқ уриб кетди, дея ўйладим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Кўп лалми дўқ қилаверма..* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Бекорга ҳам халқда, лалмига ҳатто қиз берма, деган гап юрмайди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ЛАЛМИКОР 1 Ёғин сувидан фойдаланиб деҳқончилик қилинадиган; ёғин суви билан унадиган, суғорилмайдиган. *У ер лалмикор ҳамда у тепага на машина, на комбайн чиқа олар, ерни қўшда ҳайдаб, донни ҳам ҳўкизлар туёғида янчиб олишарди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Лалми экинлар экиш билан шуғулланувчи деҳқон. *Лалмикорлар мўл буғдой ҳосили олдилар.*

ЛАЛМИКОРЛИК 1 Лалми экинлар экиладиган ерлар.

2 Лалми экинлар экиш иши.

ЛАМА I [*исп.* lama < *индейс тилларидан*] *зоол.* Жанубий Америкада яшайдиган ўркачсиз кичикроқ туя (хонакилаштирилган ламадан юк ташишда, гўшт ва қимматбаҳо жун олишда фойдаланилади).

ЛАМА II [*тибетча* – олий, энг юқори] Тибет ва Мўғулистонда будда дини руҳонийси.

ЛАМАИЗМ Буддавийлик (будда дини)нинг Тибет ва Мўғулистонда, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда яшайдиган аҳоли ўртасида тарқалган бир кўриниши.

ЛАМБАДА [*порт.* lambada – таёқ зарби, зарбаси] Оёқ ва белни алоҳида, ҳиссий ҳаракатлантириб, жуфт-жуфт бўлиб ўйналадиган бразилча рақс тури.

ЛАМИНАЦИЯ [*лот.* lamina – металл, ёғоч ва б. дан қилинган лавҳа, тахта, варақ] Қоғоз, картон, фанер, тахтадан ясалган буюмлар сиртига юқори ҳарорат остида шаффоф полимер парда қоплаш йўли билан жило бериш (буюмнинг ташқи кўринишини яхшилайди ва узоқ вақт эскирмай, бузилмай сақланишини таъминлайди).

ЛАМПА I [*фр.* lampe < *юн.* lampos – машъала; ёритқич; чироқ] Ёритиш учун ишлатиладиган, ёнаётган (пиликли) қисмини ўзига хос шаклдаги шиша қоплаб турадиган асбоб; чироқ. *Электр лампа.* ▬ *Раъно айвон лабида қўлини керосинга булғаб, лампа ёқиш ҳаракатида эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ўртадаги тахта полли айвонга осма лампа осиб қўйилибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Лампа ёғ(и) *эск. с.т. айн.* **керосин.**

ЛАМПА II Ганч ёки алебастр сувоқ қилинган шип.

ЛАМПАМОЙ *айн.* **лампа ёғ(и); керосин** *қ.* **лампа**. *Чироқни ўчирмай кетибман.. лампамой исроф бўлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЛАМПОЧКА [*р.* лампочка – кичик лампа] Электр токи билан нур тарқатадиган, атрофи шарсимон, ноксимон ва бошқача шаклли шишадан иборат ёритиш асбоби; электр чироқ. *Шербек қоронғи боғ кўчадан ўтиб, ҳар жой-ҳар жойда симёғочларда электр лампочкалар қизариб турган кенг.. кўчага етганида, таниш ҳамқишлоқларига дуч келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛАНГ I [*ф.* لنگ – чўлоқ] *кам қўлл.* Чўлоқ, оқсоқ. *Иш деганда, икки қўл, икки оёғи ланг экан.* «Муштум».

ЛАНГ II: **ланг очиқ** Кенг (катта) очиқ. *Қизлар етаклашиб, ланг очиқ дарвозадан тўғри кириб бордилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ланг очмоқ** Кенг, катта очмоқ. *..кўча эшикни ланг очганча, катта йўл томон ўқдек учиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЛАНГАР I [*ф.* لنگر] Кемани ва б. сузиб юрувчи воситаларни сув юзида маълум бир жойда тўхтатиб, ушлаб туриш учун занжирга бириктириб, сув остига ташланадиган оғир темир чангак. *Кема кўм-кўк сувлари чайқалиб турган қўлтиққа лангар ташлади.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ЛАНГАР II [*ф.* لنگر – дорбозлар ходаси] Дорда мувозанатни сақлаш учун дорбоз қўлда тутадиган йўғонроқ узун таёқ; лангарчўп. *Дорбоз узун лангарини ушлаб, арқондан юқорига ўрмалаб бормоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛАНДАВУР Ҳеч бир ишни уддалай олмайдиган; бўшанг, лапашанг, ношуд. *Бунчалик журъатсизсан деб ўйламасдим.. Ўзингни қўлга ол, ландавур!* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЛАНДАҲУР [*ф.* لندهور – бекорчи, ишёқмас, танбал] *эск. кт. айн.* **ландавур**. *Лаванду ландаҳуру соддаю ношуд анойингман.* Муқимий.

ЛАНДИШ [*р.* ландыш < *юн.* ladanon < *а.* لادن – хушбўй смола] *бот.* Япроқлари баргизуб барги сингари чўзиқ, қўнғироқчасимон майда оппоқ хушбўй гулли ўсимлик, бута; марваридгул.

ЛАНДШАФТ [*нем.* Landschaft – ўлка, мамлакат; манзара, кўриниш] *геогр.* Кўриниши, рельефи, иқлими, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, гидрологик режими ва б. ларнинг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегарага эга бўлган ҳудуд, жой. *Устюртда табиий чўл ландшафтларини тиклаш ва геоботаник тадқиқотларни янада муфассалроқ давом эттириш керак.* «Фан ва турмуш».

ЛАНЖ 1 Тоби айниган, бўшашган; лоҳас. *Ланж бўлмоқ. Ланж қилмоқ* (*этмоқ*). *Ўзимни ланж сездим.* ▬ *Мингбошининг майи мени анча ланж қилди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Тумов, грипп билан оғриганда, умуман, киши ўзини ланж сезса, одатан, қоқирим истеъмол этилади.* Газетадан.

2 Ортиқ дам еб, тобидан ўтган ёки суви кўплигидан узоқ қайнаб бўшашган; дами ўтган, бўш. *Қаёқда қолдинглар? Ош ланж бўлиб кетди-ку.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 *кўчма* Аниқ ва қатъий фикр билдира олмайдиган; фикридан қайтиб, айниб турадиган; мижғов. *У ўзи ланж одам эди.* ▬ *Бригадирнинг ўзи ҳамон ланж-у, бригада*

аъзолари виждон азобида. Н. Сафаров, Мардлар майдонда. [*Мулладўст:] Тайёр ошга баковул бўлмай ўл! Пок бўлмаса, бузиб қўювдинг-ку, ланж.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

4 *кўчма* На у ёқли эмас, на бу ёқли эмас; ноаниқ, мужмал. *Ланж жавоб. Ланж ҳаво.* ▬ *-Ўқишларини тамомлашаверсин-чи, бир гап бўлар, — деб ланжроқ жавоб қайтарган эди Тўламат.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳасанов "ўзингиз биласиз", дегандек ланжроқ гап қилди.* И. Раҳим, Ихлос.

ЛАНЖЛИК Ланж ҳолат, ланж эканлик. *Паловнинг ланжлиги.* ▬ *Қадоқчи Ҳамроқулнинг тоби қочди.. кеча эрталаб ҳам ланжлиги бор эди.* А. Каҳҳор, Томошабоғ. *Қўрага етиб келганида, баданидаги ланжлик кучайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Раҳим Саидов шуларни ўйлаб, баъзан ўзини ланжликда айбларди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЛАНКА [*хит.*] **1** Орқасига оғир металл парчаси, танга, чақа ва ш. к. ёпиштирилган узун-узун жунли тери парчасидан иборат, тепиб ўйналадиган болалар ўйини. *Ланка ясамоқ.*

2 Шу ўйиннинг ўзи. *Ланка ўйнамоқ. Ланка тепмоқ.*

ЛАНТАН [*лот.* lanthanum < *юн.* lanthano — беркинмоқ, яширинмоқ] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; юмшоқ, кумушсимон оқ нодир-ер металлардан бири.

ЛАНЦЕТ [*нем.* Lanzette < *лот.* lancea — найза] *тиб.* Учи ва икки томони ўткир, дастали тиғи ёйсимон пичоқча (жарроҳлик пичоқчаси); ништар.

ЛАНҒИЛЛАМОҚ Яллиғланиб, қип-қизил алангаланиб ёнмоқ; алангаланмоқ. *Ўчоқда ўт ланғиллаб турарди. Гулхан ланғиллаб ёнар эди.* ▬ *Низомжон.. иссиққина ҳужрада, ланғиллаб ёнаётган печь олдида ўтирибди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Абдумажид.. ланғиллаётган гулханни кўрсатди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЛАПАНГЛАМОҚ У ёққа, бу ёққа ташланмоқ, чайқалмоқ, оғмоқ. *Шу пайт йўғон, семиз гавдаси лапанглаб, эркаклардек гурс-гурс қадам босиб, даҳлизга кирган Собира опа кўринди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *У кабина эшигига осилди, машина лапанглаб, силтаниб, йўлга қайрилди.* С. Зуннунова, Одамлар орасида.

ЛАПАНГ-ЛАПАНГ *тақл. с.* У ёқ-бу ёққа оғир, бесўнақай чайқалган ҳаракатни билдиради.

Лапанг-лапанг қилмоқ *айн.* **лапангламоқ**.

ЛАПАР Тўй ва йиғинларда, халқ сайилларида йигитлар билан қизлар орасида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган терма қўшиқ; шунингдек, биргаликда ижро этиладиган қўшиқ ва рақс. *Анорхон билан Ҳайдар.. ҳовуз бўйидаги гулхонага иккита стул қўйишиб олиб, лапар айтишмоқда.* И. Раҳим, Ихлос. *Муниранинг кутилмаганда лапар айтиши эркакларни довдиратиб қўйди!* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЛАПАРЧИ Лапар айтувчи, лапар айтишга уста киши. *Ҳар бир байтдан кейин меҳмонлар қийқириб, қарсак чалишди. Лапарчи кулиб-кулиб, сийлаб-сийлаб, гоҳо "омбур" билан ўйиб-ўйиб оларди.* С. Нуров, Нарвон.

ЛАПАШАНГ Бирор ишни эплай олмайдиган, бўшашган, шалвираган; ландавур. *У вақтда бошқача эди-ку: усти-боши мойга беланган, лапашангроқ бола кўринган эди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

ЛАПАШАНГЛИК Бўшашиб уддалай олмаслик, эпсизлик. *Бу лапашанглигимиз учун раҳнамоларимиз бизни афв этурларми?* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЛАППАК *шв.* Ялпоқ, ясси. *Полвон.. учинчи дафъа келтирган тошлар ичидан лаппак, етти-саккиз қадоқ келадиган бир тошни танлаб олди-да, яхшилаб артишга ва бир томонини йўнишга буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Шолғомни лаппак-лаппак қилиб, картошкани тўгарак қилиб тўғранг.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ЛАППОС *с. т.* Тўладан келган; қўпол. *Зайнаб лаппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадиган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЛАРЁК [*р.* "ларь" с. кичр. < *швед.* larr — қути, яшик] Савдо дўкончаси. *Китоб ларёги. Газлама ларёги.*

ЛАРЗА [*ф.* لرزه — титраш; титроқ, қалтироқ] **1** Кучли таъсир натижасида юз берадиган қаттиқ титраш, қаттиқ силкиниш; титроқ. *Тўхтовсиз ва қаттиқ отишмалардан еру осмон ларзада.* ▬ *Мурувватли, сахий, дилкаш, дилбар ер, Гумбурлаб силкиндинг, бағрингда ларза.* Ғ. Ғулом.

2 *кўчма* Қаттиқ безовталик, безовта қилувчи нарса, ҳолат. *Самарқандда Бобурни*

тилдан қолдирган касаллик — ғоят кучли бир руҳий ларзанинг оқибати эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Ларзага солмоқ *(ёки* **келтирмоқ***)* 1) қаттиқ силкитмоқ, титратмоқ. *Танклар ерни ларзага солиб яқинлашмоқда эди.* О. Ёқубов, Излайман. *Тоғнинг ҳар бурчаги ва ёнбағридан акс садо келиб, дарани ларзага келтирди.* С. Айний, Дохунда; 2) қаттиқ безовта қилмоқ, нотинч ҳолатга солмоқ. *Кўпларнинг хаёли дунёни ларзага солган темурийлар салтанатининг буюк тождорига қарши, ўз ўлимини билгани ҳолда тиғ кўтарган кимсада эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бу даҳшат Абдуллани қаттиқ ларзага солди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЛАРЗОН [*ф.* لرزان — титровчи, қалтировчи; ҳаяжонли] Оғирлигидан осилиб, лопиллаб, тебраниб турган ҳолатли. *Қалин қорнинг вазминлигидан олма, ўрик, жийда шохлари ларзон.* А. Муҳиддин ва Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *..Каҳрабо узумлари ишкомларда ларзон бўлиб турган боғни айланишди.* О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

ЛАРИ Грузия Республикасининг асосий пул бирлиги (1995 йилдан).

ЛАРИНГИТ [*лот.* laryngitis < *юн.* larynx, laryngos — ҳиқилдоқ] *тиб.* Ҳиқилдоқ шиллиқ пардасининг тумов, грипп ва б. шу каби касалликлар оқибатида яллиғланиши.

ЛАРИНГОЛОГ Ларингология мутахассиси, врачи.

ЛАРИНГОЛОГИЯ [*юн.* larynx, laryngos — ҳиқилдоқ + logos — билим, тушунча] Тиббиётнинг ҳиқилдоқ анатомияси, физиологияси ва касалликларини, шунингдек, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганувчи бўлими.

ЛАРИНГОСКОПИЯ [*юн.* larynx, laryngos — ҳиқилдоқ + skopeo — қарайман, кузатаман] Ҳиқилдоқни махсус асбоб (ларингоскоп) ёрдамида оғиз бўшлиғи орқали текшириш усули.

ЛАС [*ф.* لاس — тозаланмаган паст навли ипак] Читга нисбатан зич тўқилган, сирти силлиқ ип газлама; сатин. *Кўрпалик лас.* ▬ *Ундан* [*тугундан*] *қора ласдан тикилган махорка халта чиқди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Қора лас тўн кийиб, белини атлас белбоғ билан боғлаган, оёғида кирза этик.* А. Ибодинов, “Латофат” дўконидаги қатл.

ЛАТ I [*ф.* لت — зарар, зиён; калтак зарби; тарсаки, шапалоқ]: **лат емоқ 1** Йиқилиш ёки бошқа таъсирлардан шикастланмоқ (эти узилмоқ, кўкармоқ, шишмоқ ва ш. к.). *Оғир юк кўтариб, белим лат еди.* ▬ *Шербек лат еган чап қўлига тегишга ўзи ҳам безиллар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Зарарланмоқ, шикастланмоқ (синмоқ, учмоқ, пачақ бўлмоқ ва ш. к.). *Бўронда лат еган томлар, тахта деворлар ремонт қилинди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [*Ҳайдарбой*] *Жўмраги ёки қорнидан лат еб чегалатилган кўримсиз чойнакларга чой дамлайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛАТ II Латвия Республикасининг асосий пул бирлиги (1993 йилдан).

ЛАТИН *қ.* **лотин**.

ЛАТИФ [*а.* لطيف — илтифотли, хушмуомала; юмшоқ, мулойим; ёқимли] **1** Гўзал, чиройли ва нозик. *Латиф лаб.* ▬ [*Қиз*] *Оқ қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёқимли, майин, нозик. *Гулнинг латиф ҳиди. Латиф тонг ели.* ▬ *Отабек табиатнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб, узоқ тин олиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Жозибали ва ёқимли. *Муниснинг латиф ва жозибали шеърлари халқ орасида кенг ёйилган.* Газетадан.

4 Латиф (эркаклар исми).

ЛАТИФА [*а.* لطيفه — назокат, нозиклик; оқилона сўз; анекдот] **1** Кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик ҳикоя. *Бир оз чарчагандан сўнг ўтириб, турли латифалар.. қизиқ-қизиқ ҳикояларни эсладик.* О. Ёқубов, Янги йил кечасида. *Тошкентлик машҳур бойнинг хасислиги ҳақида ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чалинмаган латифалар суҳбатга ранг бериб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Афанди латифалари Афсонавий халқ қаҳрамони Хўжа Насриддин афандининг саргузаштлари билан боғлаб, халқ томонидан яратилган қисқа-қисқа кулгили лавҳалар, ҳикоялар. *Насриддин афанди латифаларидан ғоят қизиқларини кетма-кет айтади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Латифа (хотин-қизлар исми).

ЛАТИФАБОЗ [*а.* + *ф.* لطيفه‌باز — латифа (айтиш)ни яхши кўрувчи] *айн.* **латифачи**.

ЛАТИФАБОЗЛИК Латифа айтиш. *Кулгили ўйинлар қизиқчилик, аския, латифабозлик билан бир қаторда, меҳнаткаш халқ оммасининг қувноқ, оптимистик руҳини ифодалайди.* М. Қодиров, Халқ рақслари ҳақида.

ЛАТИФАГЎЙ [*а.* + *ф.* لطیفه‌گوی – латифа айтувчи] *айн.* **латифачи.**

ЛАТИФАГЎЙЛИК *айн.* **латифабозлик.**

ЛАТИФАЧИ Латифа айтувчи, латифалар ижод этувчи, латифага уста одам; латифагўй. *Мавлоно Абулвоси деган машҳур ҳажвчи – латифачининг сўз ва ҳаракатлари ҳамманинг ичагини узди.* Ойбек, Навоий. *Латифачи ошнамизни меҳмон қилиш учун товуқ гўшти, анор сотиб олдик.* М. Салом, Кечирим.

ЛАТИШ 1 Латвия Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқнинг номи. *Латиш халқи.*

2 Шу халққа тегишли, оид. *Латиш тили.*

ЛАТИШЛАР Латвия Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

ЛАТИШЧА 1 Латишларга, латиш тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Латишча рақс.*

2 Латиш тили. *Сиз латишча(ни) биласизми? Латишча гапирмоқ.*

ЛАТОФАТ [*а.* لطافت – мулойимлик, латифлик; хушмуомалалик; жозибадорлик] **1** Латиф кўриниш, чирой; латифлик, нозиклик, гўзаллик. *Бир қиз бўлса, шунчалик бўларда! Ана латофат, ана назокат!* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Нарса, ҳодиса, манзара ва ш. к. нинг нозик ҳис уйғотувчи гўзаллиги, ёқимлилиги. *Кўришгунча хайр, соҳиллар! Хайр, шимол латофатлари!* С. Акбарий. *Боғнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат: ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Латофат (хотин-қизлар исми).

ЛАТОФАТЛИ Латофатга эга; ёқимли, латиф. *Кўзим нури, латофатли на хуш озода жононсан.* Ҳабибий. *Турғун унинг ҳуснини зимдан томоша қиларди. Ўша куни Саодат бурунгидан ҳам латофатли кўринди унга.* О. Ёқубов, Тоғ қизи.

ЛАТТА [*ф.* لتّه – мато парчаси, лахтак мато; ошхона сочиғи] **1** Чит буюмларнинг парчаси; ишлатилган, эски-туски матолар. *Катта-кичик хитой вазаларни латта билан яхшилаб артди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Икки қадам борди-ю, латтага ўралган бир нимани* [*Самандарнинг*] *қўлига берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *с. т.* Умуман, ип газлама, ундан тикилган нарсалар. *Янги ёр топганда, дўстлар, эскидан кечмоқ керак, Эскини ўлган санаб, латта кафан бичмоқ керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нима қиласан латтани? Йўқот! -Келинингиз хурсанд бўлсин, деган эдим-да!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Латта жинниси Газлама, мато ва улардан тикилган нарсаларга ўч шахсга (асосан, аёлларга) нисбатан қўлланадиган ибора. *-Латта жинниси! – деб бақирди Бўтабой, бутун аламини хотинидан олиб, – латтанинг учини кўрсатса, ўзингни томдан ташлайсан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Латта ҳиди келади** Бирор ёқимсиз гап-сўз, хатти-ҳаракат кабиларга нисбатан қўлланувчи ибора. *Гапларингдан латта ҳиди келади.* ▬ *Бу қилиғингиздан латта ҳиди келади-ку.* Уйғун, Навбаҳор.

3 *шв.* Ипак мато. *Хитойи латта. Латта рўмол.* ▬ [*Кумушнинг*] *Паранжиси қўлида, қора атлас кўйлак эгнида, зангор латта мурсак устида.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *кўчма дағл.* Ўтакетган бўш, ношуд; шалвираган. *Эркакнинг зуғми бўлмаса, хотинлар уни латта дейди.* С. Юнусов, Осон ишнинг оҳи бор. *Алимардонни учратганидан кейин билди: Анвар бўшанг экан, латта экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЛАТТА-ЛУТТА *айн.* **латта-путта.** *Дарахтларга боғланган ҳар хил латта-лутталар баъзан эсган кечки шабадада тебранар ва мозорга қўрқинчли тус бағишларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЛАТТА-ПУТТА Эски-туски латталар; шуларнинг бўлакларидан қилинган эски-туски буюмлар. *Иккинчи супада бўлса.. бир тўда латта-путталар орасида кулала бўлиб, ҳикоямизнинг қаҳрамони Мамажон ётар экан.* F. Fулом, Тирилган мурда.

2 *с. т.* Газлама ва улардан қилинган бисот буюмлар. *Кўримсиз уй у ёқда турсин, баъзи одамлар латта-путтасидан ҳам ажралишни истамайдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *..сизнинг назарингизда ҳамма хотинлар латта-путта бандалари, шундайми?* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ЛАТТАФУРУШ [*ф.* لتّه‌فروش — латта олиб сотувчи] Эски-туски кийим-кечаклар олиб сотувчи киши; эскифуруш, эскичи.

ЛАТТАЧАЙНАР Гапининг тутуриғи йўқ; бир гапни ҳадеб такрорлай берадиган; гапдан нарига ўтмайдиган; мижғов, эзма. *Мана шундай латтачайнар одамни кўрса, Назар ота ғиппа бўғилади-ю, кўзи тиниб, оғзидан нима чиққанини билмай қолади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Инжиқ, латтачайнар одамларни жиним суймайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЛАТУНЬ [*нем.* Latun — тахталанган мис] *қ.* **жез.**

ЛАТЧА [*р.* "ласка" с. нинг бузилган талаффузи] Сувсарлар оиласига мансуб, танаси ингичка чўзиқ ва ўта серҳаракат йиртқич сутэмизувчи ҳайвон.

ЛАУРЕАТ [*лот.* laureatus — (лавр баргларидан қилинган) чамбар тақилган] Фан, санъат ва ш. к. соҳаларда кўрсатган жуда катта хизматлари учун юксак (давлат ёки халқаро) мукофотга сазовор бўлган ёки бадиий кўрик-танловлар, фестиваллар ғолиби бўлиб, махсус мукофот олган киши. *Тинчлик мукофоти лауреати. Халқаро ёшлар фестивали лауреати.* ▬ *Лауреатни сўраб келар қари-ёш. Маслаҳат-ла келар қошига.* С. Акбарий.

ЛАФЕТ [*нем.* Lafette < *фр.* l'affut] Тўп, замбарак стволи ўрнатилган дастгоҳ; замбаракнинг шоти ва ғилдираклардан иборат ост қисми.

ЛАФЗ [*а.* لفظ — талаффуз; сўз, ибора] **1** *кт.* Сўз, калима; тил. *Бирдан эрининг шошилмай, очиқ чеҳра, ширин лафз билан кириб келгани Ойша холага нашъа қилиб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Уларнинг лафзига қулоқ солиб турган Лолахон ўзини тутолмай отилади.* У. Исмоилов, Сайланма.

Лафзи тез Оғзига келган сўзни қайтармайдиган, салга жаҳли чиқиб гапириб юбораверадиган. *Кумушингизнинг феъли-автори ўзимга маълум: эрка ўсган, лафзи тез.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Берилган ваъда, аҳд, сўз. *Ҳозир Нодирнинг юрагида номус ўти, йигитлик лафзи, ориятидан кўра худбинлик, ўжарлик устун турарди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Пахтакорнинг одатича шундай: сўз бердингми, лафзингда тур!* П. Шермуҳамедов, Пискентлик паҳлавон.

Лафзи йўқ Сўзида, аҳдида турмайдиган, ваъдасини бажармайдиган. **Лафзи ҳалол** Чин сўзли, аҳдида турадиган, ваъдасининг устидан чиқадиган. *Лафзи ҳалол, қуролдош дўстлар Ўринлайди аҳду паймонни.* Ё. Мирзо. **Лафзини ютмоқ** *ёки* **лафзидан қайтмоқ** Аҳдидан қайтмоқ, айтган гапи, берган ваъдасидан тонмоқ.

ЛАФЗАН [*а.* لفظاً — сўзда, сўз билан, сўзма-сўз] *кт.* Сўз орқали, сўзда ифодаланган; ошкора айтилган. *Унинг* [*Отабекнинг*] *шу йўсин мулоҳаза ва фикрлари мажлисга чувалган ипнинг учини топиб бергандек бўлиб, лафзан бўлмаса ҳам, маънан уларнинг таҳсин ва олқишларини олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЛАФЗСИЗ Лафзида, сўзида турмайдиган, субутсиз. *Лафзсиз одам.*

ЛАФЗСИЗЛИК Сўзида, лафзида турмаслик; субутсизлик. *Бизнинг оиладан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЛАХТА [*ф.* لخته — қуюлиб қолган, юмалоқланган нарса]: **лахта қон** Ивиб қолган қон парчаси. *Илоё, оғзингдан лахта қонинг келгурлар, уни ҳам "сен асир бўлдинг", деб олиб кетишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Уни кўриб, ёвуз душман лахта қон ютар.* Туйғун, Шеърлар, пьесалар.

ЛАХТАК [*ф.* لختک — бўлак, парча] Газлама, тери ва ш. к. нинг бўлаги, парчаси. *Фотима опа.. оқ халтадаги қийқиндилар орасидан рўмолчадек лахтакни олиб, қизига берди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Улар кичик, лахтак ерлар-ку?..* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

ЛАХЧА: **лахча чўғ** *(ёки* **ўт, олов**) Қизариб, яллиғланиб, ловуллаб турган чўғ, ўт. *Гул киприги оппоқ Бир дуру садафдек, Лолалар қизарди Бир лахча оловдек.* Ҳ. Олимжон. [*Ғофир:*] *Нечук ўртанган, лахча чўғ бўлиб ёнган юрагимни тирнайсиз?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ўйласам, юракда ёнар лахча ўт.* Ғайратий.

ЛАЧАК *шв.* Хотинлар (кўпинча кекса аёллар) бошга ўрайдиган оқ дока ёки сурп; дакана. *Мақбаранинг панасида бошига оқ лачак ёпинган аёл киши кўринди-ю, ғойиб бўлди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. *Бошларига катта-катта лачак ўраган келинчаклар сирға, мунчоқлар билан безанганлар.* Ойбек, Болалик.

ЛАЧАКЛИК Лачак бўладиган, лачак қилишга мўлжалланган мато. *Энабувининг хаёли аллақаёқларга бориб келди. Пилта саватдан тортиб эри марҳум Шониёзгача, ипидан тортиб лачаклик бир ярим қарич докагача.. ўйлай-ўйлай, мадорсиз кўзлари толди ва уйқуга кетди.* Ғ. Ғулом, Соялар.

ЛАШКАР [*ф.* لشکر – қўшин, армия] *эск. ҳарб.* Давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки унинг бир қисми; қўшин, армия. *Бутун лашкар ва сипоҳилар исён туғини кўтариб, ҳузурингизга келди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Лашкар тортмоқ Қўшин билан ҳужумга бормоқ. *У Аҳмаднагар устига лашкар тортиб боради..* С. Кароматов, Олтин қум. **Халқ лашкари** Халқдан кўнгилли суратда тузилган ёрдамчи қўшин. *Морозов ротаси халқ лашкарлари ковлаб қўйган окопларга икки взводни жойлаб, қолган взвод билан танкка қарши мудофаа чораларини кўра бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЛАШКАРБОШИ Қўшин ёки унинг бирор қисмининг қўмондони; ҳарбий бошлиқ, саркарда. *Боғи майдонда фавқулодда бир ҳодиса бўлаётганини сезган лашкарбошилар ва аъёнлар.. икки-учтадан бўлиб айланиб юришар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЛАШКАРГОҲ [*ф.* لشکرگاه – лашкар турадиган жой; ҳарбий қароргоҳ] *кт.* Лашкар келиб қўнадиган жой, ҳарбий қароргоҳ, лагерь. *Бу кеча лашкаргоҳда иш қайнади.* Ойбек, Навоий. *Темур Малик қиличини яланғочлаб, лашкаргоҳ ўртасидаги ипак чодир томон йўл олди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЛАШ-ЛУШ 1 *с.т.* Ҳар хил майда-чуйда нарсалар. [*Мен*] *Лаш-лушларимни кўтариб, Мадалихон мадрасасидан бир ҳужра олиб, шунда тура бошладим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Чол қовоғи солиқ ҳолда лаш-лушларини аравадан олди.* Ойбек, Болалик.

2 *с. т.* Сўйилган қўй ёки молнинг калла-почалари, ичак-човоқлари ва ш. к.

ЛАЪЛ [*а.* لعل – қизил рангли тош; ёқут] **1** Қизил қимматбаҳо тош; қизил ёқут. *Тошкент ва Самарқандда қадимги замонларда.. феруза, лаъл ва бошқа тошлар сотиладиган бозорлар бўлган.* Газетадан. *Лаъл эса ёқутга нисбатан юмалоқроқ, қизил, тиниқ ва равшан жавоҳир турар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *айн.* **лаъли лаб**; *қ.* **лаъли 1**. *Телба кўнглум ёр зулфи торидан айрилмагай, Жони зорим лаълининг гуфторидан айрилмагай.* Аваз Ўтар.

ЛАЪЛИ [*а.+ ф.* لعلی – лаъл билан безатилган, лаълдан қилинган; лаъл сингари; қип-қизил] **1** *шв.* Патнис. *Бойнинг буйруғи дарров ижро қилинди, кўк чой дамланган чойнаклар, лаъли ва пиёлалар.. олиб келиб қўйилди.* С. Айний, Қуллар. [*Азизхон*] *Ясаган обдаста, қумғон, лаълиларга солинган кунгура ва қуйма нақшлар кишини ўзига ром қилиб қўярди.* Н. Сафаров, Наврўз.

Лаъли лаб Лаъл сингари қизил, қирмизи, гўзал лаб. -*Сизга Ҳаёт бўлса!.. – деди жувон, попукли кўкқарға шоҳи рўмолчасини лаъли лаблари орасида ярқираб турган садаф тишлари билан қирчиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Лаъли (хотин-қизлар исми).

ЛАЪНАТ [*а.* لعنت – лаънат; қарғиш] **1** Кечириб бўлмайдиган айби, хатти-ҳаракати, оғир жинояти учун билдирилган қаттиқ қарғиш, шундай мазмунда айтилган гап-сўзлар. *Раҳмат олган омондир, Лаънат олган ёмондир.* Мақол. ▬ -*Бўлар иш бўлди, мени қиморбоз никоҳлаб олган эди. Отам эл лаънатидан, юрт надоматидан кўчага чиқолмай қолди, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қаттиқ ғазаб ва нафратли қарғашни ифодалайди. *Сенга ҳам минг лаънат, ғар хотин!* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Хароб ўл, эй золим, бахтингга лаънат! Зулм шоҳи, разил тахтингга лаънат!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Лаънат айтмоқ *(ёки* **ўқимоқ**) *айн.* **лаънатламоқ**. *Аммо мен ўтмишга лаънатлар ўқидим.* У. Исмоилов, Сайланма.

ЛАЪНАТИ [*а.+ ф.* لعنتی – лаънатланган] Лаънатга, қарғишга дучор бўлган, лаънатланган; шундай маъноли ҳақорат, қарғиш сўзи сифатида қўлланади. *Ҳой, лаънати, аблаҳ, тўхта, нима дединг!* Н. Фозилов, Дийдор. *Сен лаънати мени йўлдан оздирдинг.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Лаънатининг хотин олишга ихлоси баланд-у, катта чиқимга тоби йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛАЪНАТЛАМОҚ Нафрат, ғазаб билан қораламоқ, лаънат айтиб қарғамоқ. *Одамлар бир-бирига навбат бермай гапирар, соқчиларни лаънатлар, ноибни қарғар эди.* С. Сиёев, Аваз.

ЛАҚ *айн.* **лаққа**.

Лақ (этиб) тушмоқ (*ёки* **учмоқ, ишонмоқ)** *айн.* **лаққа тушмоқ** *қ.* **лаққа**. *-Сен ҳар ким ҳар нима деса, лақ тушиб, ишониб кетаверма, — деди Мамасодиқ,* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Агар бу ерга қайтсанг, тезда уста бўлиб чиқардинг, даромади ҳам катта.. дебди. Пўримбой лақ этиб учибди-ю, жўнаворибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЛАҚАБ [*а.* لقب — иккинчи ном; лақаб; тахаллус] **1** Бирор хусусиятига кўра, кишига ҳазил қилиб ёки масхаралаб берилган қўшимча ном; шунингдек, маълум мақсадда ўзгартириб олинган ном. *Унга "Митти".. лақабини қайси ҳазилвон қўйган бўлсаям, топиб қўйибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Қисмда ёш жиҳатдан ҳаммадан кичик, бўйи ҳаммадан паст бўлгани учун "дуварак" деб лақаб қўйилган..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Мен амир одамлари қўлидан қочиб, йигирма беш йилдан бери ўз жойимни ўзгартириб, "хатирчилик" лақаби билан юрмоқда эдим..* С. Айний, Қуллар.

2 *эск. айн.* **тахаллус**. *-Муҳаммад Аминхўжани энди халқ Муқимий деб таний бошлади. Сени ҳам халққа бир лақаб билан танитишни истайман! Сенинг лақабинг Мавлавий бўлсин! — деди устоз.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 *эск. айн.* **фамилия**.

4 Ҳайвонларга қўйилган ном. *Чалма ва Медунка лақаби бўлган иккита ғунажиннинг сути текшириб борилди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

ЛАҚАБЛАНМОҚ Лақаб олмоқ; қўшимча ном билан аталмоқ. *Ҳар кун.. дўкон олдида кичкина декча қайнатиб, бир товоқ хўрда ошга қаноатланганидан, дўкондорлар орасида у сал кундаёқ "хўрда махсум" деб лақабланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛАҚАЙ Ўзбек уруғларидан бирининг номи (асосан, Тожикистон Республикаси ҳудудида, Афғонистон, Эрон ва б. жойларда яшайдилар); шу уруққа мансуб киши. *Уларнинг афт-башараларидан баъзилари лақай, баъзилари тожик ва баъзилари афғон экани билиниб турарди.* С. Айний, Дохунда.

ЛАҚИЛЛАМОҚ 1 Вақтни бекорга ўтказмоқ, сандироқламоқ. *"Каттароқ" иш тополмай, икки йил ишсиз лақиллаб юрганидан.. хабари йўқ.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Алданиб ишонмоқ. *Ўшанинг гапига лақиллаб юрибсанми?!*

3 Бўлар-бўлмас гапларни қилмоқ, лозим бўлмаган гапларни гапирмоқ. *Бу йигит чойхонада нима деб лақиллади?* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. *Буни менга нозик бир одам айтди, тағин унга-мунга лақиллаб юрманг.* «Муштум».

ЛАҚ-ЛУҚ *кам қўлл. айн.* **лаш-луш**. *Асалари уялари ва бошқа лақ-луқларни йиғиштираверинглар, Тошкентга кўчамиз.* «Муштум».

ЛАҚМА 1 Ҳар нарсага дарров ишонаверадиган, осон алданадиган. *Танийдиган хотинлар бу ҳолни ҳийла ва шайтонлик эканини яхши англасалар ҳам, ҳовлиқма, лақма, енгил Лутфинисо бунга чиндан ишонар.. ким кўринса, шунга кўз ёши қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Калтафаҳм, гўл. *Абдимўминнинг иссиқсовуғини ўз гарданига олган лақмалар ўзлари тушиб қолган гирдобга бошқаларни тортмайди дейсанми?* «Муштум».

ЛАҚМАЛИК Лақмага хос хусусият; хатти-ҳаракат. *Қишлоқдан чиққандан кейин Боқижон аччиқ-тиззиқ гапириб, дадасига ёпишди, уни лақмаликда, овсарликда айблади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Шу лақмалигинг билан сендан қанақа пармачи мастер чиқсин!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЛАҚҚА I *зоол.* **1** Чучук сувларда яшайдиган, тангачасиз, мўйловли йиртқич балиқ. *Эрталабдан ташланган қармоқларга тўрттагина бир қаричлик лаққа илинди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Лаққа балиқ *айн.* **лаққа 1**.

2 *с. т.* Лаҳм, суяксиз (гўшт). [*Нор*:] *Хола, мени кўп чархламанг-у, уврангизни кеса беринг! Оғзингизга сиққанини уч кунда лаққа жигардек қанорангизга илиб қўяман.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Ўзингга ташланган итга лаққа гўшт ташласанг..* А. Мухтор. Қорақалпоқ қиссаси.

ЛАҚҚА II: **лаққа тушмоқ (***ёки* **ишонмоқ)** Суриштирмасдан, ўйлаб кўрмасдан, осонгина, паққос ишонмоқ; алданиб қолмоқ. [*Эркин Раънога:] Йўқ, рости билан ҳам аҳмоқман! Аҳмоқ бўлмасам, шуларнинг ҳийласига лаққа тушармидим, Акрамнинг домига илинармидим?* О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. "*..чойларни дамлаб, овқатларни димлаб қўямиз" деса, мен лақма лаққа ишонибман.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ЛАҚҚА III *с. т.:* **лаққа чўғ** (*ёки* **ўт**) *айн.* **лахча чўғ** (*ёки* **ўт**) *қ.* **лахча**. *Кейин унинг та-*

гига лаққа чўғдан қалаб, бир-икки пуфлади. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЛАҚҚИ *с. т.* Лақма. *Лаққи одам.* ▬ *Парда лаққи қаҳ-қаҳ уриб кулди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Мана, шу лаққи чол ҳам рўйхатга "юқори"нинг кўрсатмаси билан тиркалган..* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ЛАҒМОН [*хит.* "чўзиқ хамир"] Хамирни чўзиб ёки узун ингичка кесиб тайёрланадиган, юзига қайла солиб еийиладиган овқат. *Кумуш опам ҳам шу ерда эдилар.. Лағмонни унча хушламас эканлар, шекилли, яхши емадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғуломжон.. ошхонага кириб, чўзма лағмон еди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛАҒМОНХОНА Лағмон пишириб сотиладиган ошхона. *Кабобхоналар, паловхоналар, лағмонхоналар.. қанчалик кўп бўлса, одамларимиз савдо раҳбарларига сидқидилдан ташаккур айтадилар..* Газетадан.

ЛАҲАД [*а.* لحد – гўр] Қабрнинг ички, мурда қўйиладиган хонаси. *Мурда лаҳадга қўйилиб, гўрга тупроқ тортилаётган вақтда, таомилга кўра, кимдир халойиққа қараб: -Ҳо, яхшилар, марҳум қандоқ одам эди? – деди.* А. Қаҳҳор, Пора.

ЛАҲЖА [*а.* لهجه – тил, шева; талаффуз; акцент] *тлш.* Маҳаллий диалектнинг бир неча шевадан иборат гуруҳи. "Ж" *ловчи лаҳжа. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси.*

ЛАҲЗА [*а.* لحظه – кўз очиб юмгунчалик вақт, он, сония] Кўз очиб юмгунча ўтадиган вақт; он. *Лаҳза ичида. Лаҳза ўтмасдан. Бир лаҳзада.* ▬ *Кўз очиб юмгунча ўтган дам – қиммат, Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.* Ғ. Ғулом. *Йўлчи ишдан бир лаҳза бўлсин тўхтамади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛАҲЗАЛИК: **бир лаҳзалик** Жуда тез, бир онда бўлиб ўтадиган. *Ўзинг кетдинг, қолди хаёлда Хумор кўзлар, иссиқ боқишинг. Бир лаҳзалик дил айёмидан Сира сўнмас ширин ёқишинг.* Зулфия.

ЛАҲИМ [*а.* لحيم – қўшиш, пайвандлаш; қўшилиш] Ер остидан, уй ёки қалъа остидан қазиб ўтказилган тор йўл. *Маймун: -Мен шу ердан лаҳим ковлаб, беш кечаю беш кундузда чиқаман, – дебди.* «Эртаклар».

ЛАҲМ [*а.* لحم – гўшт, эт; меванинг гўшти] Суяксиз, юмшоқ (гўшт хақида). *Гўшт сўраб келганда, "пулинг қани?" деб суриштирмай, гўштнинг сатта юмшоқ, лаҳм жойидан кесиб берганман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛЕВ Болгария Халқ Республикасининг асосий пул бирлиги.

ЛЕВИРАТ [*лот.* levir – қайни, эрнинг укаси] *этн.* Кавказ, Ўрта Осиё халқлари, диндор яҳудийлар ва б.ларда бўлган ва кейинги даврларда сақланиб қолган қадимий никоҳ одатларидан бири: унга кўра, есир (бева) қолган аёл эрининг укасига – қайнисига турмушга чиқишга мажбур ёки шундай ҳуқуққа эга бўлган. *Левират никоҳ шакли 20-асрдан сўнг халқимиз турмушидан буткул чиқиб кетган.* «ЎзМЭ».

ЛЕВОМИЦЕТИН [*юн.* leukos – оқ + mykes (myketos) – замбуруғ] *тиб.* Айрим микроорганизмлар ҳосил қиладиган ёки кимёвий йўл билан олинадиган, микробларга қарши кучли таъсир қилувчи антибиотик (қорин тифи, дизентерия ва б. касалликларни даволашда қўлланади).

ЛЕГАЛ [*лот.* legalis – қонуний] *сиёс.* Қонун бўйича рухсат этилган, расман тан олинган; ошкора, очиқча. *Легал партия. Легал матбуот.*

ЛЕГАЛЛАШТИРИШ Легал, ошкор ҳолга ўтказиш, қонуний тусга киритиш. *Айниқса, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (қонунийлаштириш)га қарши курашиш, терроризмни молиялаштирувчи манбаларга чек қўйиш масаласи жуда муҳим ҳисобланади.* Газетадан.

ЛЕГАЛЛИК Ошкоралик, қонунийлик.

ЛЕГИОН [*лот.* legio, legionis – тўплаш, тўлдириш; қабул қилиш] *тар.* **1** Қадимги Рим армиясида асосий ташкилий ва тактик бирлик (турли даврларда 4500 дан 10000 гача аскардан иборат бўлган).

2 Турли мамлакатларда ва турли даврларда турли хил ҳарбий қисмлар (ва ветеран жангчилар тузилмалари)нинг номи.

3 Иккинчи жаҳон уруши даврида Германияда турли халқларга мансуб ҳарбий асирлардан тузилган ҳарбий бирлик, бўлинма.

ЛЕГИОНЕР [*лот.* legionarius – легионга мансуб, легион таркибига кирувчи] **1** Легион таркибидаги аскар.

2 *спрт.* Шартнома бўйича ўз клуби (жамоаси)дан бошқа (одатда хорижий) клубга ўтиб, ўша клуб учун ўйновчи спортсмен (футболчи, хоккейчи ва б.). *Икки оғиз болгариялик легионерларимиз ҳақида гап кетганда, терма жамоамиз таркибида "Левски" клубининг икки нафар футболчиси*

исми-шарифи қайд этилган. Газетадан. *«Реал»нинг янги президенти бразилиялик легионер Какани ўз жамоасига олмоқчи.* Газетадан.

ЛЕГИРЛАМОҚ [*нем.* legieren – эритмоқ, суюлтирмоқ < *лот.* ligare – бириктирмоқ, ёпиштирмоқ] *ким. тех.* Муайян материалларга, металл қотишмаларига уларнинг хоссалари (мустаҳкамлиги ва пластиклиги, ёйилишга ва коррозияга бардошлилиги, иссиққа чидамлилиги ва б.) ни яхшилаш учун бошқа моддалар – легирловчи элементларни (хром, алюминий, никель, титан ва ш. к.) қўшмоқ. *Пўлатни легирламоқ. Легирланган чўян.*

ЛЕГИТИМ [*лот.* legitimus – қонуний, қонунларга мос, мувофиқ] *ҳуқ.* Қонуний, қонуний ҳуқуқ (ваколат)и бўлган, умум томонидан тан олинган. *Мазкур объект эркин алмаштириладиган валюта ёки легитим сўмга сотилади.* Газетадан.

ЛЕГИТИМАЦИЯ, легитимлаш [*лот.* legitimus – қонуний, қонунлаштирилган] *ҳуқ.* **1** Давлат ҳокимиятининг, бирон-бир ижтимоий тузилма, мақом, ваколатларнинг, ҳуқуқларнинг қонунийлигини эътироф этиш ёки маъқуллаш, тасдиқлаш; ушбу жараён муайян жамиятда тан олинган қадриятларга таянади.

2 Қонунийликни ёки ваколатларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

ЛЕДЕРИН [*нем.* Leder – чарм] Китоб муқоваси учун ишлатиладиган сунъий тери.

ЛЕЙ Руминия Республикасининг (1890 йилдан) ҳамда Молдавия Республикасининг (1993 йилдан) асосий пул бирлиги.

ЛЕЙБОРИСТ [*ингл.* labourist < labour – иш, меҳнат] Англияда ўзини ишчилар партияси (Labour party) деб атайдиган, сиёсатда ислоҳотлар йўлини тутувчи партия аъзоси. *Лейбористлар партияси. Лейбористлар ҳукумати.* ▬ *..мамлакатнинг ҳозирги ҳукумати – лейбористларга ашаддий мухолиф консерваторлар турибди.* Газетадан. *Шу пайт залда ўтирган лейбористлар партияси фаолларидан бири–кекса ва хунуккина бир аёл ўрнидан туради.* Газетадан.

ЛЕЙКА [*р.* лить – "қуймоқ, оқизмоқ" фл. дан ясалган от] Ўсимлик ва гулларга сув сепиш учун ишлатиладиган, жўмрагининг учи тешик-тешик идиш. *Муҳаббат ҳовлида гулларга лейкада сув бериб юрар эди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

ЛЕЙКЕМИЯ [*юн.* leukos – оқ + haima – қон] *тиб. айн.* **лейкоз (қ.)**; **оқ қон касаллиги**.

ЛЕЙКО- [*юн.* leukos – оқ] Ўзлашма байналмилал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, уларнинг оқ рангга муносабатини, алоқадорлигини кўрсатади.

ЛЕЙКОЗ [*юн.* leukos – оқ] *тиб.* Қон ишлаб чиқарувчи тўқиманинг бир қатор патологик ҳолатлар – илик (кўмик)нинг зарарланиши, лимфатик тугунлар, талоқнинг катталашуви, лейкоцитлар сонининг ортиши, тромбоцитлар, эритроцитлар сонининг ва гемоглобин миқдорининг камайиши билан кечадиган ўсма касаллиги; лейкемия, оқ қон касаллиги.

ЛЕЙКОПЕНИЯ [лейко.. + *юн.* penia – камбағаллик, етишмаслик] *тиб.* Баъзи юқумли ва б. касалликларда, шунингдек, нурланишда ёки айрим дориларни қабул қилганда, қонда лейкоцитлар сонининг камайиши.

ЛЕЙКОПЛАСТИР [лейко.. + *юн.* hemplastron – суртма дори] Юпқа газлама, матодан бир томонига махсус ёпишқоқ масса суртиб тайёрланган оқ тасма; яраларга ва операция қилинган жойларга қўйиладиган бинт-боғловларни маҳкам тутиб туриш, ярали жойларни инфекциялардан сақлаш ва б. мақсадларда фойдаланилади.

ЛЕЙКОЦИТЛАР [лейко.. + *юн.* kytos – идиш, омбор; ҳужайра] *физиол.* Оқ қон таначалари – қоннинг ўлик ҳужайралар, бактериялар ва бошқа ёт жисмларни йўқ қилувчи ва антитаналар ишлаб чиқарувчи рангсиз шарсимон ҳужайралари.

ЛЕЙКОЦИТОЗ [< "лейкоцит" с. дан] *тиб.* Қонда оқ қон таначалари (лейкоцитлар) сонининг овқат ҳазм қилинганда, ҳомиладорликда ва аксар юқумли-яллиғланиш касалликларида меъёрга нисбатан кўпайиши.

ЛЕЙТЕНАНТ [*фр.* lieutenant] Армия ва флотда катта ва кичик лейтенантлар оралиғидаги унвон ва шу унвонга эга бўлган офицер.

ЛЕЙТМОТИВ [*нем.* Leitmotiv – асосий, етакчи сабаб, мотив] **1** Мусиқали асарда бошдан охиригача такрорланадиган куй, мавзу.

2 *кўчма* Қайта-қайта такрорланиб таъкидланадиган асосий фикр, асосий мақсад.

ЛЕК I [*ф.* لیک] *поэт. айн.* **лекин.** *Бевафо нигор ёдин тез унутмоқ истарман, Лек менда йўқ бу хил бебаҳо паришонлик.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

ЛЕК II Албания Халқ Республикасининг асосий пул бирлиги.

ЛЕКИН [*ф.* لیکن < *а.* لكنّ – бироқ, аммо] **1** *зидл. боғл.* Мазмунан бир-бирига зид бўлган содда гапларни, мазмунан зид бўлсада, бири иккинчисини инкор этмайдиган гапларни боғлайди. *Уй кичкина, лекин ёруғ.* ▬ *Сидиқжон билан Канизак келганда, залга одам тўлган, лекин президиум атрофида ҳеч ким йўқ эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -*Тўғри, ўзи чўлоқ-ку, лекин шамолдан тез учади, ҳайронман.. Ишни пухта қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *от взф.* Қилинаётган иш-ҳаракатнинг заминида бошқа мақсад, кетидан келадиган бошқа нарса борлигини ифодалаш учун ишлатилади. [*Фазлиддин:*] *Пулни ундириш учун акам шошмас эди, бир парча боғ бизга унчалик керак эмас. Унинг лекини бор, йигитча яқинда мардикор бўлиб урушга жўнаши мумкин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛЕКСЕМА [*юн.* lexis – ибора, нутқ ўрами] Тилшуносликда: шакл ва маъно жиҳатидан бир бутун ҳолда текшириладиган мустақил маъноли сўз; тил қурилишининг лексик маъно англатувчи бирлиги.

ЛЕКСИК Лексикага, тилниинг луғат таркибига оид; луғавий. *Сўзнинг лексик маъноси. Ўзбек тилининг лексик бойлиги.*

ЛЕКСИКА [*юн.* lexikos – сўзга оид, луғавий < lexis – сўз, ибора] *тлш.* Бирор тил ёки шевада муайян пайтда мавжуд бўлган сўзлар мажмуи; бирор иш, фаолият, касб-ҳунар соҳасида қўлланадиган сўз ва терминлар, шунингдек, бирор муаллиф бадиий асарларининг сўз бойлиги. *Ўзбек тили лексикаси. Тошкент шевасининг лексикаси. Касб-ҳунар лексикаси. Чорвадорлар лексикаси. Навоий асарлари лексикаси.*

ЛЕКСИКОГРАФ Лексикография мутахассиси; луғатшунос.

ЛЕКСИКОГРАФИК Лексикографияга, луғатчиликка оид. *Лексикографик ишлар.*

ЛЕКСИКОГРАФИЯ [*юн.* lexikos – луғат + grapho – ёзаман] Луғат тузиш назарияси ва луғат тузиш иши; луғатшунослик, луғатчилик. *Ўзбек лексикографаяси.*

ЛЕКСИКОЛОГ Лексикология мутахассиси; сўзшунос.

ЛЕКСИКОЛОГИК Лексикологияга оид. *Лексикологик тадқиқот.*

ЛЕКСИКОЛОГИЯ [*юн.* lexikos – луғатга оид + logos – таълимот] Тилшуносликнинг тилнинг луғат таркибини (лексикани) ўрганувчи бўлими; сўзшунослик. *Ўзбек тилининг лексикологияси.*

ЛЕКСИКОН [*юн.* lexikon – луғат] Маълум бир кишининг сўз ва иборалари захираси; бирор ижтимоий қатлам ёки муайян фаолият соҳасига мансуб умумистеъмолдаги сўзлар захираси.

ЛЕКТОР [*лот.* lector – ўқувчи] Маъруза (лекция) ўқувчи киши.

ЛЕКТОРИЙ [*лот.* lectorium] Маъруза (лекция)лар ўқиладиган бино.

ЛЕКЦИЯ [*лот.* lectio – ўқиш] Олий ўқув юрти ёки омма орасида бирор мавзу юзасидан оғзаки баён тарзидаги ўқиш, ўқув машғулоти; маъруза. *Мазмунли лекция. Лекция зали. Лекция тингламоқ.* ▬ *Бир куни райондан доктор келиб, "Кундалик турмушда гигиена" мавзуида лекция ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шундай баённинг ёзма ёки босма матни.

ЛЕММА [*юн.* lemma – пора; фойда; тама, ғараз] *мат.* Бир ёки бир неча теоремаларни исботлашда фойдаланиладиган ёрдамчи теорема, даъво.

ЛЕМУР [*лот.* lemures – ўлган аждодларнинг руҳлари] *зоол.* Чала маймунлар оиласига мансуб, орқа оёқлари олдингиларидан, думи танасидан узун, тропик ўрмонларда яшовчи, унча катта бўлмаган сутэмизувчи ҳайвон.

ЛЕНИНИЗМ [Россия коммунистлар (большевиклар) партиясининг асосчиси В.И.Ленин номидан] *тар.* Марксизм (*қ.*) нинг асосий қоидаларини ривожлантирган В.И.Ленин таълимоти.

ЛЕНТА [*нем.* Linte < *лот.* lintea – қалин матодан қилинган энсиз тасма] **1** Безак учун ишлатиладиган ёки сочга тақиладиган энсиз узун тасма. *Шойи лента. Орден лентаси. Лента тақмоқ.* ▬ *Гавҳарнинг битта қилиб ўрилган узун сочи орқасидан лента билан бўғиб қўйилган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *қ.* **тасма.** *Изоляция лентаси. Ёзув машинасининг лентаси. Телеграф лентаси.*

3 *қ.* **тасма**. *Конвейер лентаси. Транспортёр лентаси.*

ЛЕПРА [*юн.* lepra – мохов] *қ.* **мохов.**

ЛЕПРОЗОРИЙ [*юн.* leprosus – моховга йўлиққан, чалинган] Моховга чалинган касалларни соғлом аҳолидан, жамиятдан

алоҳида ажратиб даволайдиган, профилактика ишларини олиб борадиган муассаса, шифохона; моховхона.

ЛЕТАРГИЯ [*лот.* lethargie < *юн.* lethe – унутиш + argia – дангасалик, ишёқмаслик] *тиб.* Узоқ, чуқур уйқуга ўхшаш касаллик ҳолати (бунда барча ҳаёт белгилари билинмас даражага келади: бемор ухлаб қолганга ўхшайди, қимирламайди, таъсирларни сезмайди).

ЛЕТУЧКА [*р.*] *с. т.* Зарурий масала(лар) юзасидан ўтказиладиган қисқа муддатли мажлис. *-Соат иккига летучка эълон қиласиз, – деди Ҳошимжон ака.. секретарь қизга.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *Летучкани редакциянинг олий органи деса ҳам бўлади: энг муҳим масалалар летучкада муҳокамадан ўтади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ЛИАНАЛАР [*фр.* lianes < lier – боғламоқ] *бот.* Бошқа ўсимликлар, қоялар, иморатлар ва. б. нарсаларга чирмашиб, ўралиб, ўрмалаб ўсадиган дарахтсимон ёки ўтсимон ўсимликлар гуруҳи.

ЛИБЕРАЛ [*лот.* liberalis – озодликка оид; озод, эркин, ҳур] I Либерализм тарафдори; либераллар партиясининг аъзоси.

2 *с. т.* Келишувчи, муросасоз; ўринсиз раҳмдиллик кўрсатувчи; масалага бепарво қаровчи.

3 Ижтимоий муносабатларни либераллаштириш, эркинлаштириш сиёсати тарафдори.

ЛИБЕРАЛ II **1** Либерализмга, либералларга оид; либерализм ғояларини ёқловчи, ифодаловчи. *Либерал партия. Либерал буржуазия.*

2 *с. т.* Муросасозликдан, келишувчиликдан иборат бўлган; муросасоз. *Либерал муносабат.*

ЛИБЕРАЛИЗМ [*лот.* liberalis – озодликка оид] **1** Ғарбий Европа мамлакатларида 17-18-асрларда пайдо бўлган ва мутлақ ҳокимликка, феодализмга қарши қаратилган, фуқаровий, сиёсий, иқтисодий эркинликларни талаб қилган ғоявий ва ижтимоий-сиёсий оқим.

2 *с.т.* Эркин фикрлилик; муросасозлик, келишувчилик, ортиқ даражада раҳмдиллик, бировга ўринсиз ён босишлик.

ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, **либерализация** [*лот.* liberalis – эркин, озод] Мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида кенг эркинликлар бериш; иқтисодиётга ва фуқаролар шахсий ҳаётига давлат аралашувини бекор қилиш ёки камайтириш. *Нарх-навони либераллаштириш.* ▬ *Ҳозир суд-ҳуқуқ тизимида либераллаштириш давом этмоқда.* Газетадан.

ЛИБОС [*а.* لباس –] *кт.* **1** Кийим, устбош. *Янги либос. Байрам либоси.* ▬ *Мана кўрдингизми? ..Отга жабдуқ, одамга либос, деганларича бор-да. Кийиниб, туппа-тузук одам бўлди-қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўп ўтмай, куёв либосини кийдирши учун уни* [*Муқимийни*] *ичкарига таклиф қилдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Ёш шоирлар ва журналистлар клуби, либос дизайни, тасвирий санъат, ёғоч ўймакорлиги, радиоэлектроника тўгараклари, шахмат клуби шулар жумласидандир.* Газетадан.

2 *театр.* Спектакль ва режиссёр ғоясига мувофиқ, муайян роль, бинобарин, актёр учун танланиб кийдириладиган кийим, пойабзал, бош кийим, зеб-зийнат ва б.; спектаклни безашнинг асосий воситаларидан бири. *Либос танлашда қаҳрамоннинг характери.. ёши ўз аксини топади.* «ЎзМЭ».

3 *кўчма поэт.* Бадиий тасвирда: ўраган, қоплаган нарсага нисбатан рамзий маънода қўлланади. *Табиат баҳор либосини кийди. Шаҳар байрам либосига безанди.* ▬ *Чап томонда эса, куз либосини кийган Олтинсой қишлоғи равшан кўринарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Наврўз эди табиат гулгун, Кийиб олган ям-яшил либос.* Ё. Мирзо. *Мен ойна орқали, оқ либос кийган шаҳар кўчаларини томоша қилиб, Сидиқ ака ҳақида ўйлардим.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ЛИБРЕТТО [*итал.* libretto – китобча] **1** Опера, оперетта, оратория каби мусиқали-драматик асарларнинг сўз матни; опера, балет мазмунининг қисқа баёни. *[Матниёз Юсупов] Орадан сал фурсат ўтмай, Ҳамид Ғулом либреттоси асосида "Хоразм қўшиғи" операсини ёзди.* А. Раҳмат. Фронт йўлларида. *АҚШдаги Нодир адабиётлар кутубхонасида мен фавқулодда Генделнинг Амир Темур фаолиятига бағишланган "Буюк Темур" операси партитурасини, итальян ва инглиз тилларидаги либреттолари билан бирга топдим.* Газетадан.

2 Кинофильмнинг сюжет режаси ёки сценарий схемаси.

ЛИБРЕТТОЧИ Либретто муаллифи. *Ёш ижодкорлардан ҳам кўплаб либретточи ва ижрочилар етишиб чиқди.* Газетадан.

ЛИВИТ *тўқм.* Калавадан, шунингдек, тўқув дастгоҳига солинган тандадан эллик-та-элликта қилиб ажратилган ип ёки ипак дастаси. *Бир ливит ип. Калавани ливитга ажратиш. Танданинг ливитлари.*

ЛИВИТЧИ Пишитилган ип ёки ипакни ливитларга айлантирувчи ишчи. *Ишқордан чиқарилган ипак цехларга тақсимланиб, ливитчилар қўлига ўтади.* Газетадан.

ЛИГА I [*фр.* ligue < *лот.* ligare – боғламоқ, қўшмоқ] **1** Кишилар, ташкилотлар, давлатларнинг иттифоқи, ҳамжамияти, бирлашмаси. *Миллатлар Лигаси. Араб мамлакатлари лигаси (уюшмаси).*

2 Спортда: ўз даражаларига кўра бирлаштирилган жамоалар табақаси, гуруҳи. *Олий лига. Биринчи лига.* ■ *..имкониятимизни ишга солган ҳолда олий лигага чиқишни кўзламоқдамиз, – деб сўз бошлади команда катта тренери.* Газетадан. *Турнирда дастлабки тўрт ўринни эгаллаган шашкачилар республика биринчилигининг биринчи лигасида баҳслашиш ҳуқуқига эга бўладилар.* Газетадан.

ЛИГА II [*итал.* liga – алоқа, боғланиш] *мус.* Нота ёзувида маълум ноталарни бирлаштирувчи ва уларни қўшиб, узлуксиз ижро этиш зарурлигини билдирувчи ёйсимон белги.

ЛИДЕР [*ингл.* leader – етакчи, бошлиқ, раҳбар] **1** Бирор сиёсий партия ёки ташкилотнинг раҳбари, йўлбошчиси.

2 Спорт мусобақаларида олдинда борувчи шахс ёки жамоа; етакчи, пешқадам. *Турнир лидери. Мотоцикл пойгаси лидери.*

ЛИЗИНГ [*ингл.* lease, leasing – ижара; ижара шартномаси; ижарага бермоқ] Асосий ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотлари) ва б. товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун қарзни аста-секин узиш шарти билан узоқ муддатли ижарага бериш ёки олиш. *Лизинг компанияси. Лизинг шартномаси.*

ЛИК: **лик этиб** 1) *айн.* **лип этиб** *қ.* **лип**. *Қиёмхон ҳам лик этиб ўрнидан турди.* Н. Аминов, Суварак; 2) ҳеч ким кутмаганда; дарров. *У лик этиб гапга аралашди.*

ЛИКАНГЛАМОҚ 1 Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташланмоқ; қимирлаб, ликиллаб турмоқ. *Кўприк тахтаси киши юрганда ликанглаб турар эди.*

2 *салб.* Буралиб юрмоқ, қийшангламоқ, жилпангламоқ. *Кўзларига.. Машариб чўлоқ кўриниб кетди. У ликанглаб бориб, ҳоким тўранинг ёнидаги бўш жойга ўтириб олди.* «Муштум».

ЛИКАНГ-ЛИКАНГ *тақл. с.* Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташланиб, қимирлаб, ликиллаб туришни ифодалайди.

Ликанг-ликанг қилмоқ *айн.* **ликангламоқ**.

ЛИКВИД [*лот.* liquidus – суюқ, оқувчан]: **ликвид маблағлар** *мл. иқт.* Қарз мажбуриятларини қоплаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган пул ҳамда тез, осон нақд пулга айланадиган қимматдор нарсалар (векселлар ва б. қимматбаҳо қоғозлар).

ЛИКЁР [*фр.* liqueur – < *лот.* liquor – суюқлик] **1** Спирт, шакар шарбати ва мева ёки резавор шираси аралашмасидан тайёрланган ширин ва ўткир спиртли ичимлик.

ЛИКИЛДОҚ Ликиллаб турадиган.

ЛИКИЛЛАМОҚ 1 Тебраниб, у ёқ-бу ёққа, баланд-пастга енгил ҳаракат қилмоқ; лик-лик қилмоқ. *У ликиллаб кетаётган эди, орқасидан эргашдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Юрганида, белидан пасти ғалати ликилларди.* Н. Аминов, Суварак. *Зина мустаҳкам эмасди. Дорбознинг арқонидай ликиллаб турарди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ЛИК-ЛИК: лик-лик қилмоқ Ликиллаб ҳаракатланмоқ. *Чумчуқми, читтакми, бетиним лик-лик қилади, яна йўқ бўлиб қолади.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ЛИКОП Тўгарак шаклида, ясси, қирғоғи кўтарилган майда чинни идиш; тарелка. *Хонтахтага терилган ликопларда ранг-баранг қанд-қурс, конфетлар..* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛИКОПЧА Кичикроқ ликоп. У, *токчалардаги чойнак-пиёла, патнис, ликопчаларни тартиб билан терди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ашулачилар ликопчаларни юзларига тутиб, дўпписини қўлига олиб, чўзиқ оҳангда халқ ашулаларини айтишмоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

ЛИЛИПУТ [*ингл.* Lilliputian – Ж. Свифтнинг "Гулливернинг саёҳатлари" асаридаги хаёлий Лилипутия мамлакатининг фантастик даражадаги митти одамлари номидан] Жуда кичик одам; митти.

ЛИМ Тўла, жуда тўла, оғзигача, лабигача тўла (асосан суюқлик хақида). *Меҳр майингдан тутдинг лим коса..* Ё. Мирзо. *Қалдирғочнинг расми ўйилган шишалар шаробларга лим.* Э. Раҳим.

Лим тўла (*ёки* **тўлган**) *қ.* **лиқ тўла**. ..*Хил-ма-хил, ранг-баранг, қимматбаҳо мева-чевалар билан лим тўлган патнуслар кетма-кет етказилиб турилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛИМАН [*юн.* limen – кичик қўлтиқ, гавань] *геогр.* Текислик дарёларининг денгизга қуйилиш жойида сувнинг кўпайиши, тошиши натижасида пайдо бўлган кўрфаз. *Қишки сарой қурилишига ҳар томондан материаллар кела бошлади. Тошсоқа лиманига пароход қалин тахталар келтирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛИМИЛЛАМОҚ Лабигача тўлиб, аста мавжланмоқ, тўлқинланмоқ (асосан, сув ҳақида) *Ариқчаларда кеч кузнинг тиниқ суви лимиллаб оқади.* Н. Аминов, Суварак.

ЛИМИТ [*лот.* limes, limitis – чек, чегара] Бирор нарсанинг чекланган нормаси, фойдаланиш учун белгиланган чегаравий, чекли миқдор; чеклов. *Баҳо лимити. Кредит лимити. Электр энергия лимити. Лимит белгиламоқ.* ▬ *Хўжаликларга капитал қурилиш учун лимит белгилаб қўйилса, шунинг ўзи кифоя.* Газетадан.

ЛИМИТЛАМОҚ Лимитини белгиламоқ; чекламоқ.

ЛИММО-ЛИМ Оғзигача, лабигача тўла (тўлган). *Ҳовузнинг лиммо-лим суви шишадай тоза.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бозоров лиммо-лим рюмкани Соҳиб қорига узатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЛИМОН [*юн.* limoni < *ф.* ليمو] **1** *бот.* Асосан жанубий мамлакатларда ўсадиган доимо яшил субтропик ўсимлик ва унинг тухумсимон сариқ нордон хушбўй меваси. *Лимон дарахти. Лимон солинган чой.* ▬ *Ҳозир Ўрта Осиёнинг жанубий қисмларида шакарқамиш, лимон сингари мевалар етиштирилмоқда.* «Фан ва турмуш».

Лимон кислотаси Лимон меваси ва бошқа баъзи ўсимликлар таркибида бўладиган кислота, жавҳарлиму (тиббиётда, озиқ-овқат саноатида ва б. соҳаларда ишлатилади). *..лимон кислотаси озиқ-овқат маҳсулотларини яхши сақлашга ёрдам беради.* Газетадан.

2 *жарг. с.т.* Миллион сўм (ушбу маъно “лимон” ва “миллион” сўзлари талаффузидаги ўхшашликка асосланган; дастлаб “рубль” учун қўлланган).

ЛИМОНАД [*фр.* limonade < *юн.* limoni < *ф.* ليمو] Лимон ёки бошқа хил мева шарбатига сув, шакар, карбонат кислота, хушбўй моддалар қўшиб тайёрланган ширин чанқовбосар ичимлик (дастлаб лимон сувидан тайёрланган). *Болаларнинг стаканига тўлатиб-тўлатиб лимонад қуйиб берди.* Газетадан.

ЛИМОНАРИЙ Лимонлар ўстириладиган, етиштириладиган махсус жой. *Лимонарийда ўстирилаётган лимон кўчатларининг дастлабки бир неча тури ҳосилга кирди.* Газетадан.

ЛИМОНЗОР Лимон дарахтлари экилган майдон. *Балки жануб денгизининг лабида Уни кутар яшил гулли лимонзор.* М. Шайхзода.

ЛИМОНЛИ Лимон солинган, лимон шарбати қўшилган. *Лимонли чой.*

ЛИМУ [*ф.* ليمو – лимон] *эск. айн.* **лимон.** *Аҳли дардга суҳбатинг бўлсин даво. Нок, анор, олма, беҳи, лиму каби.* Ҳабибий.

ЛИМУЗИН [*фр.* limousine – Франциядаги тарихий Лимузен вилояти номидан] Кўп ўринли енгил автомобилнинг олдинги ўриндиғи кейинги ўриндиқлардан ойнаванд тўсиқ билан ажратилган ёпиқ кузови; шундай кузовли енгил автомобиль.

ЛИМФА [*лот.* lympha – тоза сув, намлик] *физиол.* Ҳужайралар орасидаги бўшлиқлар ва лимфа томирларини тўлдириб турувчи рангсиз, тиниқ суюқлик. *Бундан ташқари, микроблар ўсиқ деворларига қон ва лимфа орқали келишлари мумкин.* Ҳ. Ҳакимов, Ўткир аппендицит. *Қулоқ супраси қон томирлари билан бирга лимфа томирларига ҳам бой.* «Фан ва турмуш».

ЛИМФАДЕНИТ [лимфа + *юн.* aden – без] *тиб.* Лимфа тугунларининг, уларга яллиғлантирувчи микроблар тушганда, катталашуви ва оғриқ пайдо бўлиши билан кечадиган яллиғланиши.

ЛИМФАТИК Лимфага оид, лимфага тегишли. *Лимфатик система. Лимфатик безлар.*

ЛИНГАФОН [*лот.* lingua – тил + *юн.* phone – товуш] Товушлар ёки сўзларни аниқ эшитиш ва тўғри талаффуз қилишга ёрдам берадиган асбоб, аппарат. *Улар замонавий компьютер, лингафонлар билан жиҳозланган синф хоналарида таълим оладилар.* Газетадан.

Лингафон кабинети Чет тил оғзаки нутқи, она тили нутқ маданияти малакаларини, мусиқа-театр муассасаларида юксак маҳорат билан ижро этиш малакасини эгаллашга ёрдам берувчи товуш техникаси ва

проекцион аппаратлар билан жиҳозланган ўқув хонаси.

ЛИНГВИСТ Лингвистика мутахассиси; тилшунос.

ЛИНГВИСТИК Лингвистикага, тилшуносликка оид. *Лингвистик адабиёт. Лингвистик атлас. Лингвистик тадқиқот. Лингвистик таҳлил.*

ЛИНГВИСТИКА [*фр.* linguistiqe < *лот.* lingua – тил] Тил ҳақидаги фан, тил билими; тилшунослик.

ЛИНЕЙКА [*р.* < *лот.* lineare – тўғриламоқ, текисламоқ] **1** Муайян юзага, текисликка тўғри чизиқ чизиш ва баъзи бир фазовий ўлчам ёки ҳисоблашлар учун ишлатиладиган, сантиметр ва миллиметрларга бўлинган асбоб; чизғич. *Масштаб линейкаси. Логарифмик линейка. Линейка билан чизмоқ.*

2 *эск.* Рапорт бериш ёки бирор топшириқни қабул қилиб олиш учун ёнма-ён бир қатор бўлиб тизилиш; саф. *..линейка саф чеккан. Мактаб директори.. ўқувчиларни янги ўқув йили билан табриклайди.* М. Худойқулов, Биринчи тонг.

ЛИНЗА [*нем.* Linse < *лот.* lens – ясмиқ] Шишадан ёки синтетик материаллардан тайёрланадиган, қавариқ ёки ботиқ сирт билан чегараланган ва нур тарамини ўзгартирувчи (синдирувчи) шаффоф жисм (сунъий кўз гавҳари сифатида, шунингдек, лупа ва кўзойнак тайёрлашда қўлланади).

ЛИНИМЕНТ [*лот.* linire – суркамоқ, суртмоқ, ишқамоқ] *фарм.* Суюқ суртма дориларнинг умумий номи: сиртдан суркаш учун қўлланадиган дори шакли.

ЛИНИЯ [*лот.* linea – каноп ипи; шоқул; йўл, чизиқ] **1** Бирор нарсани муайян масофага узатишга мўлжалланган қурилма (мослама)лар (сим, кабель ва ш. к.) системаси. *Тошкент – Москва телеграф линияси. Юқори вольтли электр линияси.*

2 Мудофаа ёки ўт очиш нуқталаридан иборат система. *Мудофаа линияси. Фронт линияси.*

3 Темир йўл, трамвай йўли; из. *Трамвай линияси.*

ЛИНКОР [*р.* "линейный корабль" (мунтазам йўналишли кема) бирикмасининг қисқартмаси] Йирик тўплар билан қуролланган, қалин зирҳли катта ҳарбий кема. *У нарироққа боргач, тўлқинни ёрган линкордай, ғўза шохларини силкитиб, шошилмай кезаётган зангори кемалар кўринади.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ЛИНОЛЕУМ [*лот.* linum – каноп; қалин мато + oleum – мой] Нам ўтказмайдиган, пол ва деворга қопланадиган, рулон ҳолатида тайёрланадиган полимер материал. *Йўлак чироқлари ёқиб қўйилган, тозалаб артиб қўйилган линолеум пол ярақлаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ЛИНОТИП [*лот.* line – йўл, чизиқ + *юн.* typos – белги, из] *полигр.* Ҳарфларни сатр-сатр қилиб териб, яхлит металл сатрлар тарзида қуйиб берадиган машина. *Линотипда терилган матн.*

ЛИНОТИПЧИ Линотипда харф терувчи.

ЛИНТ [*ингл.* lint – пахта момиғи] Тола ажратиб олинганда, пахтанинг чигитда қоладиган калта туки ва ундан ҳосил қилинадиган хомашёнинг бир тури. *Линт ва тола чиқарувчи машиналар шитоб билан ишлайди.* С. Муҳиддинов, Оппоқ толалар. *Линт деб аталувчи бу калта толанинг ҳар тоннасидан 800 килограммгача тоза целлюлоза олиш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ЛИНТЕР [*ингл.* linter – момиқ ажраткич] **1** Пахтаси айириб олинган чигитларнинг юзида қолган калта толаларни, тукларни ажратиб, чигитни тозалаб, туксизлантириб берадиган машина.

2 Шундай машинада чигитдан ажратиб олинган тола-туклардан иборат пахта; линтер пахта. *Аввалги линтер пахта кўрпа-тўшакдан бошқасига ярамасди.* Газетадан.

ЛИНТЕРЧИ Линтер машинада ишловчи ишчи. *[Ойимхон] Чигитдан момиқ ажратиб олади. Бу касб номини корхонада линтерчи деб аташади.* Ж. Холқосимов, Зийнат.

ЛИНЧА *шв.* Кичикроқ қоп. *..кампир яна донг қотиб ухлаб қолди, оғзи худди химарилган эски линча оғзидай очилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қўлтиғимда линча қопча, оёқ яланг кўчаларни чангитиб ўтиб кетдим.* С. Абдулла, Ёшлик йилларим.

ЛИП: лип этиб 1) тезлик билан, бир он ичида. *Давлатёр лип этиб отга минди-ю, бир нафасда кўздан ғойиб бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) *кўчма* усталик билан, тезда ва осонгина. *Бунчалик тадбир.. натижасиз қолмади, лип этиб Хатиб домулла шўрога [сайлов ва сайланишга] ҳақли ҳам бўлиб қолди.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Лип этмоқ** Тез

ва енгил ҳаракатни билдиради. *Очиқ эшикдан Нигора халатининг этаги охирги марта лип этди-ю, муюлишда кўздан ғойиб бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛИПА [*қад. р.* лепа – малҳам; ёпишқоқ нарса < *юн.* lipos – ёғ] *бот. қ.* **жўка.**

ЛИПИЛЛАМОҚ 1 Тез ва енгил ҳаракат қилмоқ, юрмоқ; лип-лип қилмоқ. *Раззоқ ўзини четроққа олиб турди, хотинлар липиллаб ўтиб кетдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Тез-тез такрорланувчи кучсиз оний ҳаракат қилмоқ, пирпирамоқ (аланга ҳаракати ҳақида). *Эшик очилганда, шам бир липиллади-ю, ўчди.*

ЛИП-ЛИП Лип с. нинг такрори. *Отларнинг ёлига тегай-тегай деб синчалаклар лип-лип учиб ўтарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўқтин-ўқтин шамол қутуриб, дарахт шохларини симларга уракан, чироқлар лип-лип ўчиб ёнарди.* Ҳ. Назир, Эътиқод.

Лип-лип қилмоқ *айн.* **липилламоқ.**

ЛИППА I [*а.* ليفه – тола; ип] Иштоннинг иштонбоғ ўтказиш учун қайтариб тикилган жойи. *Бўтабой носқовоғини липпасига қистирди.* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари. *Ўшанда бир сўмликни липпамга яширганимда, ўлгудек дўппослаган номард.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

Аҳли липпа *эск. кам қўлл.* Пул топиш ва тўплашга берилиб кетган шахсларга нисбатан қўлланувчи ибора. *Сизга ўхшаш аҳли липпаларга тушунтириш учун.. уч кунлаб доклад қилиш керак экан-да!* «Муштум». **Липпа урмоқ** Иштоннинг юқори қисмини кўтариб, липпага қистириб олмоқ. *Узоқ-узоқда.. иштонларини липпа уриб, қўлларига кетмон ушлаган йигитлар пахта суғориб юрибдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЛИППА II *айн.* **лип**. *Липпа туриб, бўсағадан бош чиқардим.* «Шарқ юлдузи».

ЛИРА I [*лот.* lyra < *юн.* lyra] **1** Торли, чертиб чалинадиган қадимги юнон (грек) чолғу асбоби (поэтик ижод ва илҳом рамзи ҳисобланади).

2 Украин ва белорусларнинг камонча билан чалинадиган чолғу асбоби.

ЛИРА II [*итал.* lira < *лот.* libra – фунт, қадоқ (оғирлик ўлчови); тарози, мувозанат] Италия, Туркия ва Мальта давлатларининг асосий пул бирлиги.

ЛИРИЗМ [*юн.* lyrikos – лира чалувчи, лирада ижро этувчи] **1** Бадиий асардаги ҳиссийлик, ҳис-ҳаяжон, кўтаринкилик, туйғу унсурлари, лирик хусусиятлар. *Лирик поэмаларда лиризм оқими асар материалини бир фокусга йиғиб, ҳаракатга солишда.. катта кучга айланади.* «ЎТА».

2 Лирик руҳий ҳолат, лирик кайфият, ҳиссиёт. *..тасвирланаётган воқеа ва қаҳрамонларга шоирнинг муносабатини кўрсатувчи лиризм эпик тасвирга органик равишда қўшилиб кетади.* «ЎТА».

ЛИ́РИК Лирик асар ёзадиган, ҳис-ҳаяжонли шеърлар ёзадиган шоир.

ЛИРИ́К Лирикага оид, лирикага хос хусусиятларни, ҳис-туйғуларни, кечинмаларни ифодаловчи. *Лирик шеър. Лирик асар.*

ЛИРИКА [*юн.* lyrikos – лира жўрлигида куйловчи, ижро этувчи] *ад.* Бадиий адабиётнинг уч асосий турларидан (эпос ва драма билан) бири бўлиб, унда борлиқ муаллифнинг чуқур, жўшқин ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазаларига йўғрилган ҳолда, ички шеърий монолог тарзида акс эттирилади. *Лириканинг ўзига хос адабий жинс сифатидаги табиати унинг жанр қиёфасида ҳам акс этади.* «ЎТА». *Эмоционаллик ва рационалликнинг бу хилдаги органик уйғунлигини лириканинг ёзилмаган қонуни дейиш мумкин.* «ЎТА».

2 Шу турга мансуб асарлар мажмуи. *Навоий лирикаси. Пушкин лирикаси.* ▬ *Кеча охирида ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари Фурқат лирикасидан концерт бердилар.* Газетадан.

ЛИСОН [*а.* لسان – тил] *эск. кт. айн.* **тил 1.** *-Русия халқи хат ва лисон ўрганмоққа бизни таклиф қилса, муроди ёмон эмасдир, – деди Фурқат.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Мен Бобур Мирзога кичиклигидан илм ўргатдим, лисон ўргатдим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЛИСОНИЙ Тилга оид, тилга тегишли. *Лисоний бирликлар.* ▬ *Бундай лисоний воситалар поэтик матнда икки томонлама йўналтирилган бўлиб, биринчидан, гўзаллик тушунчасининг даражасини орттиради..* «ЎТА».

ЛИСТ [*юн.* lissos – силлиқ, текис] **1** Полиграфияда: босиладиган, нашр этиладиган асар ёки матннинг ўлчов бирлиги; табақ.

Босма лист 16 бетдан иборат босилган матн, босилган асарнинг ҳар 16 бети; босма табақ.

2 Тахталанган юпқа материалнинг ҳар бир бўлаги, тахтаси.

ЛИСТАЖ [*р.*] *полигр.* Матннинг варақлар ёки табақлар (муаллиф листи, босма лист) миқдори билан белгиланадиган ҳажм ўлчови. *Китоб листажи.*

ЛИТ Литва Республикасининг асосий пул бирлиги (1993 йилдан).

ЛИТЕР [*лот.* littera – ҳарф; белги] Поезд, пароход ва б. транспортларда бепул ёки арзон билет олиб юриш учун бериладиган ва маълум ҳарфлар билан белгиланган гувоҳнома. *Темир йўл литери.*

ЛИТЕРА [*лот.* littera – ҳарф] *полигр.* Ҳарф ёки босма ҳарф шаклидаги белгилар.

ЛИТИЙ [*лот.* lithium < *юн.* lithos – тош] Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушранг ишқорий металл.

ЛИТО- [*юн.* lithos – тош] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи ёки иккинчи қисми бўлиб, сўзнинг тошга ёки тошга ўхшашликка алоқадорлигини билдиради.

ЛИТОГРАФ Литография мутахассиси; литография корхонасининг ишчиси.

ЛИТОГРАФИК Литографияга оид. *Литографик портрет.* ▬ *Машраб ҳақидаги қиссанинг қўлёзма ва литографик усул билан тарқатилган нусхаларида шоирнинг туғилган ери Наманган деб кўрсатилган.* «ЎТА».

ЛИТОГРАФИЯ [лито.. + *юн.* grapho – ёзаман] **1** Оҳактош (литографик) тошга рельефсиз, литография тоши ёки қалами билан туширилган босма қолип; тошбосма; шундай тошбосмада матн босиш, чоп этиш усули. *XX аср бошларида литография усулида нашр этилган бир неча баёзларда Қосим девона тахаллусли номаълум шоирнинг "яли-яли" радифли ғазали учрайди.* «ЎТА».

2 Шу усулда босилган матн ёки асар.

3 Шундай усулда матн нашр этадиган корхона ёки цех; тошбосмахона. *Янги ишлаб чиқариш муносабатларининг маҳсули сифатида литография ва босмахоналар вужудга келди.* Газетадан. *1918 йил 29 мартда Туркистон республикаси Халқ комиссарлари совети Туркистон ўлкасидаги барча литографияларни национализация қилиш тўғрисида декрет қабул қилди.* «Фан ва турмуш».

4 Шу усулда рассомлар томонидан яратиладиган графика асарлари.

ЛИТОЛОГИЯ [лито.. + *юн.* logos – таълимот] Чўкинди тоғ жинслари, замонавий чўкиндилар, уларнинг модда таркиби, тузилиши, ҳосил бўлиш ва ўзгариш қонуниятлари ва шарт-шароитлари ҳақидаги фан.

ЛИТОСФЕРА [лито.. + *юн.* spheira – шар] Ернинг 50–200 км қалинликдаги, Ер пўсти, мантиянинг ташқи қисмини ҳам қамраб олувчи ташқи қаттиқ қобиғи.

ЛИТОТА [*юн.* litotes – соддалик, оддийлик] *ад.* Бадиий адабиётда бирор нарса, воқеа ва белгини кичрайтириб, заифлаштириб тасвирлаш усули.

ЛИТР [*фр.* litre < *юн.* litra – оғирлик ўлчови] Метрик ўлчов системасида ҳажм ва сиғим ўлчов бирлиги; 1000 г кимёвий соф сувнинг ҳажмига тенг келадиган суюқлик ўлчов бирлиги. *Бир литр сут. Уч литр элтадиган идиш.*

ЛИТРАЖ [*фр.* litrage] Бирон-бир идишнинг литр билан ўлчанадиган ҳажми.

ЛИТРЛИ Литр ҳажмидаги, литр элтадиган. *Беш литрли идиш.*

ЛИФТ [*ингл.* lift – юқорига кўтармоқ] Кўп қаватли биноларда ва шахталарда одамлар ёки юкларни юқорига олиб чиқадиган ва пастга олиб тушадиган машина. *Қуддус ака самолётда учмас, лифтга тушмас, метрода юрмасди.* Газетадан. *Лифт уларни ўн учинчи қаватга кўз очиб юмгунча олиб чиқиб қўйди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЛИФТЁР *қ.* **лифтчи.**

ЛИФТЧИ Лифтнинг нормал ишлашини таъминлаб турувчи, уни юргизиб турувчи ишчи. *Лифтчилар ўз вақтида иш билан таъминланди.* Ҳ. Ҳакимов, Бош инженер.

ЛИФЧИК [*голл.* liff] Хотин-қизлар кўкракларига тақадиган тортқи; кўкракпеч, сийнабанд.

ЛИЦЕЙ [*фр.* < lycee < *лот.* lyceum < Lykeion (Ликей) – Аристотель таълим берган Аполлон лицей ибодатхонаси ёнидаги ўрмонзор номидан] Кўпчилик давлатларда ўрта таълим ўқув юрти. Ўзбекистонда: академик лицей – давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқур соҳалаштирилган, табақалантирилган, касбга йўналтирилган ўрта махсус таълим олишини таъминловчи ўқув муассасаси. *Лицей кутубхонасида эса [ихти-*

сосий] фанларга оид слайдлар мавжуд. Газетадан.

ЛИЦЕНЗИЯ [*лот.* licentia – ижозат, рухсат] **1** Амалдаги қонунларга кўра муайян фаолиятни амалга ошириш (мас., четга мол чиқариш ёки четдан мол олиб келиш) учун давлат органлари томонидан бериладиган рухсат. *«Ўзбекнаво», адашмасам, ҳар бир ижрочига махсус лицензия (яъни рухсатнома) беради.* Газетадан. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияси билан ишлаётган бу муассаса Нишон туманида жойлашган.* Газетадан.

2 Муайян шахсларга мавжуд, расмий тан олинган ихтиро, технология, ишлаб чиқариш сирлари ва б. лардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

ЛИЧИНКА [*р.* личинка < личина – ниқоб, маска < лик – юз, бет тасвири] Баъзи жонли организмларнинг (қурт, ҳашарот, балиқ ва ш.к.) ривожланиш (тухумдан чиқиш) босқичи, шу даврдаги ҳолати; ғумбак. *Урғочи кана 3000–4000 та, айрим турлари эса 20 000 тагача тухум қўяди. 19–28 кун ўтгач, кана тухумидан личинкалар чиқади.* «Фан ва турмуш».

ЛИШАЙНИК [*лот.* lichenes < *юн.* liechen – лишай, замбуруғ] *бот.* Замбуруғлар ва сувўтлар иттифоқидан таркиб топган, алоҳида морфологик ва физиологик хусусиятларга эга бўлган тирик организмлар мажмуи.

ЛИҚ I**: лиқ тўла** Бошқа сиғмайдиган даражада, бутунлай тўлган. *Хона одамлар билан лиқ тўла.* ▬ *Иккинчи отдаги катта хуржуннинг икки кўзи лиқ тўла танга эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Лиқ тўлмоқ** Бошқа сиғмайдиган даражада тўлмоқ. *Бир зумда столнинг усти турли ноз-неъматлар билан лиқ тўлди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Блиндаж жангчилар билан лиқ тўлиб тошди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЛИҚ II**: лиқ этиб ютмоқ** Томоғидан ўтказиб юбормоқ. *Ичида биттаси бор, энди қўявера сиз, лиқ этиб ютиб юборгинг келади киши!* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Қорабоев, азбаройи қўрққанидан, лунжидаги қуртини бутунлигича лиқ этиб ютиб юборди.* «Муштум».

ЛИҚИЛДОҚ 1 Лиқиллаб, қимирлаб турадиган, лиқиллайдиган. *Аёл дастлаб, "ортиқча дахмаза" дегандек, елкасини қисиб қўйди-да, лиқилдоқ табуреткага ўтириб, манглайини ушлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *тиб.* Чақалоқлар калла суягининг устки қисмида ўрнашган суякларнинг бирикиш жойларидаги пардали, суяклашмаган қисм.

ЛИҚИЛЛАМОҚ 1 Қаттиқ ўрнашмай қимирлаб, тебраниб турмоқ. *Лампанинг пилиги ичига тушиб кетган, бурайдигани сийқаланиб, лиқиллаб қолган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Оғзида қолган иккитагина тиши сўзлаганида лиқиллаб туради.* Ойбек, Болалик.

2 *кўчма* Бўшашиб, заифланиб, омонат бўлиб қолмоқ. *-Оламда нима гаплар бор, Қори? – деб сўради эшон. Қори лабини дўрдайтириб жавоб берди: -Оқ подшонгиздан ҳам путур кетиб, тахти лиқиллаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛИҚЛИҚ Мол, қўй, бузоқларнинг калла-почаларидан зираворлар қўшиб, милдиратиб узоқ қайнатиб, сўнг суякларидан ажратиб тайёрланадиган яхна таом.

ЛИҚҚО(Қ) Офтоб уришидан, бирор касалланишдан ичи бўшашиб қолган; сувли (узум ҳақида). *Соли узумдан еб кўрди.. баъзилари ширасиз, баъзилари лиққо.* Ё. Шукуров, Уч савол.

ЛОАҚАЛ [*а.* لاَاقَلّ – ҳеч бўлмаганда; энг камида] Ҳеч бўлмаса, жуда бўлмаганда; ақалли. *Шу тўрт девор ичра қон ютиб, беҳад заҳмат чеккан синглингизга лоақал сиз шафқат қилингиз.* Ойбек, Улуғ йўл. *Бечорани нега ҳайдадингиз, нега мени, лоақал ойимни бу келишдан хабардор қилмадингиз?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЛОБАР [*ф.* لابر – гўзал, келишган, ёқимтой] **1** Хушрўй, хушсухан ва ёқимли. *Салом, менинг азиз дугоналарим, Азизим, лобарим, чеварим қизлар!* Зулфия. *Бу яқин ора қишлоқда Дилдордан гўзал, Дилдордек лобар жувон бўлмаса керак.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Лобар (хотин-қизлар исми).

ЛОБЗИК [*нем.* Laubsäge < Laub – барглар + Säge – арра] Ёғоч ёки юмшоқ металлдан бўлган буюмларни шаклдор, жимжимадор арралаш учун қўлланадиган дастаки асбоб ва унга қистириб қўйиладиган энсиз арича.

ЛОБИД [*а.* لابدّ – мажбурий, ноилож; зўрма-зўраки]: **лозим ва лобид** *эск. кт.* Бирор ишнинг албатта бўлиши, бажарилиши зарурлигини таъкидлаш учун қўлланади. *Қутидорга ҳам бу мулоҳаза жуда маъқул*

тушиб: ..албатта, мунда бирор йил туриши лозим ва лобид! — деб жавоб берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жаноб олийларига айтиб ўтиш лозим ва лобид бўлган.. шарт-шароитлар бу мактубни ёзишни тақозо қилди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЛОВ *тақл. с.* Кучли аланга ҳамда шу алангадан чиқаётган товушни билдиради.

Лов этиб 1) бирдан аланга олиб. *Хатни ола солиб, печкага ташладим, хат лов этиб ёнди-кетди.* «Муштум»; 2) *кўчма* бирдан қизишиб, қизариб. *Феъл-атвор жиҳатидан Виктор жуда қизиққон, сал нарсага лов этиб, гавдасига сира ярашмаган ингичка овозини баралла қўйиб чийиллаrди.* С. Кароматов, Олтин қум. *..турмушда шунақа ҳам бўлиб туради, ҳар нарсага лов этиб кетавериш ярамайди..* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЛОВА 1 *с. т.* Лава.

2 *кўчма* Аланга, ўт. *Гулхан ловаси тераклардан ҳам юқорироқ кўтарилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ловалар сочмоқ бутун борлиқни йўқ қилмоқ демак. Шу ловаларни сочмаслик чорасини кўриш керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЛОВДАН *шв.* Юпқа ипак тўқима; харир. *Ўн тўрт яшар экан унинг камолиц, Бошида пирпирар ловдан рўмоли.* «Алпомиш».

ЛОВИЯ [*ф.* لوبيا — ловия] Дуккаклиларга мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг овқат учун ишлатиладиган дони. *Йўлнинг бир ёғи ловия, мош экилган дала..* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Ловиянинг озиқлик қиммати мошга тенг.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ЛОВУЛЛАМОҚ 1 Кучли алангаланмоқ, аланга таратмоқ. *Элмурод печкада ловуллаб ёнаётган ўтга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қуруқ ўтин бир зумда ловуллаб ёниб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Қаттиқ қизимоқ. *Қуёш тик келган. Ҳаво ловуллаб ёнади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қизнинг юраги худди тузоққа тушган қушдек питирлаб урар, юзи ловуллаб ёнарди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида. *Юзлари қизариб-бўртиб, қулоқларигача ловуллаб кетган Гулхайри тоғасига ўгирилди.* С. Нуров, Нарвон.

3 *кўчма* Бирдан қизишиб кетмоқ, тутақмоқ. *Лутфинисо: “Вой, жувон ўлгур!” деб, лабини тишлади. У.. шамол теккан оловдек, ловуллаб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эҳсон у вақтда бирданига ловуллаган муҳаббатнинг оқибатини сўраганда, гапиргани гап топилиб, андак хижолатликдан чиқди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЛОГАРИФМ [*юн.* logos — муносабат, нисбат + arithmos — сон, миқдор] *мат.* Асос деб аталадиган муайян сонни даражага кўтарганда, берилган (керакли) сонни ҳосил қилиш мумкин бўлган даража кўрсаткичи. *Логарифмлар жадволи.*

ЛОГАРИФМИК Логарифмга оид. *Логарифмик жадвал. Логарифмик линейка.*

ЛО́ГИК *қ.* **мантиқшунос.**

ЛОГИ́К *қ.* **мантиқий**.

ЛОГИКА *қ.* **мантиқ, мантиқ илми.**

ЛОГИСТИКА I [*юн.* logistike — ҳисоблаш, муҳокама санъати] **1** Математик мантиқ; тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этиш.

2 Бутун математикани унинг хилма-хил томонларини қўшган ҳолда математик мантиқ билан бирлаштирувчи математик-фалсафий нуқтаи назар, йўналиш; математик мантиқ тараққиётидаги бир босқич.

ЛОГИСТИКА II [*ингл.* logistics] Инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасини моддий-техник таъминлашни бошқариш тизими.

Логистика тизими У ёки бу ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш муассасалари, ўқув юртлари асосий фаолиятининг самарали бўлишини таъминловчи инфратузилмалар тизими.

ЛОГОГРАММА [*юн.* logos — сўз, нутқ + gramma — ёзув, ёзув белгиси, расм] Сўз-бўғин ёзувида бир бўғинни ёки бутун бир сўзни ифодаловчи белги.

ЛОГОПАТИЯ [*юн.* logos — сўз, нутқ + pathos — ғам-алам, азоб; касаллик] *тиб.* Эшитиш қобилияти яхши сақланган ҳолда нутқнинг бузилиши, нуқсонли бўлиши (дудуқланиш, тили чучуклик, айрим ўхшаш товушларни нотўғри талаффуз қилиш каби).

ЛОГОПЕДИЯ [*юн.* logos — сўз, нутқ + paideia — тарбиялаш] *пед.* Дефектологиянинг бир тармоғи: эшитиш қобилияти яхши бўлгани ҳолда, нутқда кузатиладиган турли хил камчиликларни (дудуқлик, тили чучуклик, ўқиш ва ёзувдаги нуқсон ва б. ни) ўрганади ва шу ҳодиса сабабларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда даволаш методларини ишлаб чиқади.

ЛОДОН [< *ф.* نادان ёки لاده – ақлсиз, билимсиз; аҳмоқ] *с. т.* Нодон, билимсиз. *Мен лодон кампирнинг гапини айбга буюрманг, қизим!* А. Мухтор. Опа-сингиллар.

ЛОЖА [*фр.* loge < *қад. нем.* laubia – шийпонча] Томоша залида бир неча киши ўтириши учун ажратиб ясалган махсус жой. *Фестиваль халқаро комитетининг аъзолари, фахрий меҳмонлар.. ложага чиқадилар.* Газетадан.

ЛОЖУВАРД [*ф.* لاجورد – қимматбаҳо кўк тош; мовий, зангори] **1** Тўқ кўк, яшилга мойил ҳаворанг тусли майда донадор, шишасимон ялтироқ минерал (қимматбаҳо безак тош сифатида ишлатилади ва мовий ранг бадиий бўёқ олинади). *Тоза ложуvard устига олтиндан бўртма нақшлар.. солинган.* Ойбек, Навоий.

2 Тиниқ кўк, тиниқ кўк тусли. *Ложуvard кўкда сайрашиб учаётган қушлар дарахтларга қўниб.. сахий қуёшга мадҳия айтаётгандек, басма-басга чуғурлашадилар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Юлдузлар ложуvard чодирдан осилган электр чироқларидай ёруғлашиб, кўзларни қамаштирмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

ЛОЗИМ I [*а.* لازم – кераkli, зарурий (нарса)] **1** *мод. с.* Керак, зарур. *Унга [Унсинга] дардларини ўртоқлашувчи сирдош – қайғудош лозим эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хўжалигимизда одам сероб, лозим бўлса, янги хўжаликка отланамиз.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Нарзи севган қизининг номини унинг номи билан бир қатори қўйишнинг лозими қолмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Лозим топмоқ (*ёки* **кўрмоқ**). Лозим, зарур деб билмоқ, ҳисобламоқ. *Табиб ҳам Меъморнинг оғир мусибат билан Бухорога кетаётганини маълум қилишни лозим топмади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Осонгини қўлга киритилган ўлжадан ҳаволанган душманлар ўқ отишни лозим кўрмади.* Газетадан.

2 Ҳаракат номи шаклидаги феълга бирикиб, шу феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиши талаб этилишини, кераклигини билдиради. *Айтиш лозим. Кечириш лозим.* ▬ *Бўғоз қуёнларни ҳомиладорлик даврида ўз вақтида сифатли озуқа ва тоза сув бериб парвариш қилиш лозим.* «Фан ва турмуш». *[Таржимон] Бадиий асар ёки ҳужжатни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилмоқчи бўлса, у аввало ўша оригиналнинг том маъносини чуқур билмоғи лозим.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ЛОЗИМ II [*а.* لازم] *қ.* **иштон**. *Сидиқжон бостирманинг орқасига ўтиб, яктак, лозим билан чориқни кийди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Барат полвон кавушини ечди.. лозимини ҳимарди ва Шайтон полвон белидаги белбоғни олиб боғлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Нуриой, ойингиздан тўрт газгина чит олиб берасиз.. Лозим қилиб кияман, унутманг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Почасига жияк тикилган лозими товонигача тушиб турибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЛОЗИМАНДА [*ф.* لازمنده] *с. т.* Лозимомада. *Лозимандани яхшилаб берсангиз, бормасим борми?* Т. Алимов, Совға.

ЛОЗИМЛИК I Лозим (керак) эканлик. *[Қоратой] Бу маҳаллада туриш унга* [*Йўлчига*] *хавфли эканини, ҳозирча шаҳарнинг четроғида яшаш лозимлигини айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛОЗИМЛИК II Лозим, иштон бўладиган, иштон қилишга яроқли (иштонбоп) газлама. *Лозимлик сотиб олмоқ. Бир лозимлик атлас.* ▬ *Мана буниси пешонабоғ, мана буниси лозимлик.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЛОЗИМОМАДА [*а.+ф.* لازمآمده – қилиниши, бажарилиши керак бўлган (нарса)] Аёллар томонидан тўй, туғруқ, меҳмондорчилик каби маросимларга олиб бориладиган бирор буюм, кийим-кечак, пишириқ каби совғалар. *Лозимомада қилмоқ. Лозимомада тайёрламоқ.* ▬ *Бу гап ҳамроҳ бўлган беш аёлга ҳам маъқул тушиб, дастурхон тузаб, ҳар қайсиси ўз лозимомадасини ғамлаб жўнади.* «Ёдгор».

ЛОЙ [*ф.* لای – балчиқ, лойқа; чўкинди; ботқоқ] **1** Нам таъсирида ёки сув билан қоришиб, юмшоқ ва ёпишқоқ масса ҳолига келган тупроқ. *Ёмғир ёғди – кўча лой бўлди. Машина лой сачратди.* ▬ *Бола сувни кўп сепиб, ерни лой қилиб юборган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Деярлик ҳар қадамда бир пой кавуши оёқдан тушиб, лойга ботар, қиз энгашиб олар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Лой бўлмоқ 1) лой тегиб ифлосланмоқ. *Адолат ажриқ ковлаган эди, бармоғи лой бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) хижолатдан, уятдан қизариб, ерга қарамоқ, ноқулай аҳволда қолмоқ.

2 Сув остига ўтириб қолган тоғ жинсларидан, қум, тупроқ заррачаларидан ҳосил

бўлган чўкинди; балчиқ (Баъзи турлари шифобахш бўлиб, даволаш мақсадларида ишлатилади). *Ариқнинг лойини тозаламоқ.*

3 Тупроқни сувга қориб, баъзан сомон, жун каби нарсалар аралаштириб тайёрланган махсус қурилиш материали. *Сомонли лой. Кулол лойи. Лой қилмоқ. Лой пишитмоқ. Лой сувоқ.* ▬ *Совуқда лой қориб, оёғимиз кесак, бурнимиз шолғомдай бўлиб кетди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Ишнинг таги лой Ишнинг оқибати ёмон, чатоқ. **Лой чапламоқ** Хунук, ноқулай, ҳақоратли вазиятга қўймоқ; булғамоқ. *Фирибгарлик, зимдан узатилган қанча-қанча пора обрўли кишиларни жарга улоқтирди, виждонларига лой чаплади.* Газетадан. **Лойга булғамоқ** *(ёки* **беламоқ**) Қораламоқ, ерга урмоқ; доғ туширмоқ, иснод келтирмоқ. *Бутун Олтинсойга мазах бўлганингни биласанми? Ор-номусимни лойга беладинг, доғ ўлгунча кетмайдиган бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Сув бошидан лой** Иш юқоридан бузилган, ишни аввал бошлиқ бузган, *-Агар комиссия раиси, — деди Шукур, — тузук одам бўлса эди, Ўрмон полвоннинг гапига кириб суриштирмасдан, текширмасдан шунча урардими? -Сув бошидан лой, — деди Ғойиб.* С. Айний, Қуллар.

ЛОЙГАРЛИК *айн.* **лойгарчилик.**

ЛОЙГАРЧИЛИК Ёғиндан ернинг лой бўлиб кетиши. *Куз лойгарчилиги.* ▬ *Тўламат.. лойгарчилик бўлгани учун, минерал ўғит тракторда ташиб келтирилганидан хабардор эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛОЙИҚ [*а.* لائق — тегишли, мос, муносиб] **1** Тўғри келадиган, мос тушадиган; арзийдиган; мувофиқ, муносиб; сазовор. *Мақтовга лойиқ иш. Уҳурматга лойиқ одам. Сизга лойиқ бир иш топдим.* ▬ *Отабек хон қизига лойиқ бир йигит экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тетик, зийрак, улуғ, доно халойиқ Баҳо бергай билиб ҳар кимга лойиқ.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Яхшини ҳам кўрди, ёмонни ҳам. Ичидан ўзига лойиғини танлаб олди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

Лойиқ кўрмоқ Муносиб деб билмоқ, ҳисобламоқ. *..лекин душман Ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқарилмагунча, фронтдан кетишни ўзимга лойиқ кўрмадим.* О. Ёқубов, Излайман.

2 Ўлчамига тўғри келадиган. *Бу этик оёғингизга лойиқ экан. Бўйи бўйимга лойиқ.* ▬ *-Ўҳў! — деди Турдиев дераза кўзларини кўриб. — Буларга лойиқ ойнани қаердан топаман.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

3 Етарли миқдорда, даражада. *Анварга жабр бўлади, деб ўйласанг, бундан кейин ўзига лойиқ, оз-оз нон ёпиб тур.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бой ўзи меҳнат қилишни хоҳламаса, кучига лойиқ ер, ишлаб чиқариш воситалари қолдириладиган бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЛОЙИҒИЧА Лойиқ бир ҳолда, муносиб суратда; тегишлича, мўлжалдагидай, кўнгилдагидай. *Оғаси буюрган ишни лойиғича адо қилувчи бир фармонбардор йигит.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЛОЙИҲА [*а.* لائحه — рўйхат; низом, қоида; режа, дастур] **1** Бино, иншоот, машина ва ш. к. ни қуриш ёки тиклаш учун ишланган, тайёрланган ҳужжатлар (чизма, ҳисоб-китоб, андоза, нусха ва ш. к.) мажмуи. *Бинонинг лойиҳаси. Лойиҳа тузмоқ.* ▬ *Лойиҳага кўра, уй чердагига ўрнатилган қуёш батареяси сувни кислород ҳамда водородга ажратади.* «Фан ва турмуш».

2 Қарор, фармон, қонун ва ш. к. ҳужжатларнинг дастлабки хомаки матни. *-Қарорнинг лойиҳаси ҳам бор, — деб раис кнопкани босди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛОЙИҲАЛАМОҚ Лойиҳа тузмоқ, лойиҳа ишлаб чиқмоқ.

ЛОЙИҲАЛАШ *махс.* Мўлжалланган объектлар (асбоб ва жиҳозлар, бино ва иншоотлар, турли машина ва аппаратлар, кийим-бош ва мебеллар)нинг янги хил ва намуналарини қуриш ва яратиш учун уларнинг лойиҳаларини тузиш ва чизиш.

ЛОЙИҲАЛОВЧИ *айн.* **лойиҳачи.**

ЛОЙИҲАЧИ Лойиҳа тузувчи. *Инженерлар ва лойиҳачилар чўлқуварлар посёлкасининг қиёфаси ҳақида.. гапириб бердилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *..кўринишдан лойиҳачи-муҳандисга ўхшайдиган кексароқ киши суҳбатга аралашди.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ЛОЙКАШ [*ф.* لای کش — лой тортувчи; лой тайёрловчи] **1** Қурилиш ишларида: лой тайёрлаш, лой ташиш ва уни юқорига узатиш ишини бажарувчи шахс. *Ражабали дастлаб, икки ой заводнинг бинокорлик ишида лойкаш.. бўлиб ишлади.* Ғ. Ғулом, Очилган сирлар.

2 Сувоқчиликда: лой, ганч олиш учун ишлатиладиган металл асбоб; куракча.

ЛОЙЛАМОҚ 1 *кам қўлл. айн.* **лойқатмоқ 1**. *Душманларнинг тиниқ сувин лойласин.* «Ҳасанхон».

2 *жарг.* Сотмоқ, пулламоқ. *Якшанбада эшагимни бозорга олиб бориб, ўттиз сўмга лойладим.* «Муштум».

3 *жарг.* Хуфия тарзда етказмоқ, билдирмоқ, “сотмоқ”.

ЛОЙЛИ Лой теккан, лой билан ифлосланган, лой чапланган. *Мадамин қўлидаги лойли кетмонни.. кўлмак сувга ташлаб қўйди.* С. Аҳмад, Мастура. *Ёрмат, узр сўраган каби, лойли қўлларини қовуштириб, бирдан йиғлаб юборди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛОЙХОНА [лой + хона] Лой тайёрланадиган, тайёрланган ёки лойи олинган чуқур. *Иморатларнинг кўланкаси ва кечанинг ўртача қоронғиси орқасида лойхонада киши бўлганлигини пайқаш қийин эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЛОЙХЎРАК [*ф.* لایخوراک – лой еювчи; ёмғир чувалчанги] Тўқай, ботқоқ ерларда яшайдиган, балчиқчилар туркумига мансуб узун тумшуқли қуш. *Ўрдак йўқ кўлда – лойхўрак хон.* Мақол. ▬ *Дарё дельталарида лайлак, лойхўрак, балиқчи қуш.. учрайди.* «Зоология».

ЛОЙЧАҚИР *шв.* Кийимга илашган лой парчалари. *Яланг оёқларини товлайдилар, ҳўл лойчақирларини қуритадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛОЙҚА 1 *сфт.* Лой, тупроқ, чанг ва ш. к. тушиб булғанган, лойқаланган. *Лойқа сув.* ▬ *Март ўзи билан ёмғир бошлаб келди.. Жилғалардан шариллаб лойқа сел оқди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Пастда жуда катта лойқа кўл тўлқинланиб ётар.. эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Унинг оти сув ёқасида бош чайқаб, орқага тисарилиб, пишқираётган лойқа дарёга тушишга журъат қилолмасди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *от* Сувда ёки суюқликда сузиб юрган лой ва ш. к. лар зарраси ва уларнинг сув ҳавзаларидаги лойсимон қуйқаси, чўкиндиси; балчиқ. *Ҳовуз лойқага тўлиб қолибди. Челак тагига лойқа ўтирибди. Мусаллас лойқаси тиниб қолибди.* ▬ *Дарё оқими ҳар йили 200 миллион тонна лойқа олиб келади.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

3 *кўчма* Ноаниқ, аралаш-қуралаш. *Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди. Пок-покиза юрак – бир қатра симоб.* Ғ. Ғулом.

4 *кўчма* Бирор ишнинг ёмон оқибати, охири, натижаси. *Оламан-куя.. Кетидан лойқа чиқмаса дейман-да..* И. Шокаримов, Уруғ-аймоқлар. *Ароқни кўр: ўзи тип-тиниқ, Аммо унинг ишлари лойқа.* Ш. Шомуҳамедов, Рубоийлар. *Ишнинг оқибати лойқа бўлишига ақли етган Қорасоч Норйигит билан маслаҳатни бир жойга қўйди.* Т. Сулаймон, Қорасоч.

Лойқа сувда (*ёки* **сувни лойқатиб**) **балиқ овламоқ** Керакли (сездирмайдиган) шароит ҳозирлаб, ўз ишини амалга оширмоқ, шундай шароитдан фойдаланмоқ. *Кейин лойқа сувда балиқ тутиб, ўзига катта ҳиссани қўпоради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛОЙҚАЛАНМОҚ *айн.* **лойқамоқ**. *У* [*Оқсой*] *гоҳ лойқаланади, гоҳ тинийди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛОЙҚАЛАТМОҚ *айн.* **лойқатмоқ**. *Чуқур сувни лойқалатиб бўлмас.* Мақол. ▬ *Шунинг учун ҳам шоликорлар сувни лойқалатиб, шолипоядан чиқмай юришаверади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЛОЙҚАМОҚ Чўкинди моддалар аралашиб, лойқа ҳолга келмоқ, ифлосланмоқ (сув, умуман суюқлик ҳақида). *Сув лойқаб кетди.*

ЛОЙҚАТМОҚ 1 Суюқликни лойқа ҳолга келтирмоқ, чўкиндиларини қўзғаб, аралаштирмоқ, лойламоқ. *Сувни лойқатмоқ.*

2 *кўчма* Лойқасини чиқармоқ, пачава, расво қилмоқ, бузмоқ. *Энди унинг осуда турмушини ҳеч ким лойқата олмайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛОК [*ф.* لاک < *ҳинд.* локх – қизил смола (қатрон)] *махс.* Смолани спиртда эритиб ҳосил қилинадиган, буюмларни ялтиратиш, пардозлаш учун ишлатиладиган суюқлик. *Қора лок. Лок суртмоқ. Лок бериб пардозламоқ.* ▬ [*Унсин*] *Ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга.. лок суркайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛОКАЛ [*лот.* localis – муайян жойга хос, маҳаллий] Маҳаллий, муайян жойга хос ёки унинг чегарасидан чиқмайдиган. *Локал урушлар.*

ЛОКАЛИЗАЦИЯ [*лот.* localis – маҳаллий, бирор жойга хос < locus – жой, ўрин] Бирор нарсани аниқ бир жой, ўринга дахлдор қилиш; бирон-бир воқеа ёки жараённинг ҳаракатини, тарқалиб кетишини чегаралаш, тўхтатиш.

ЛОКАТОР [*лот.* locare – жойлаштирмоқ] Турли объектларнинг (самолёт, кема ва б.

нинг) фазода жойлашган ўрнини радиолокация, оптик (жумладан, лазер) ёки товуш локация методлари ёрдамида аниқловчи қурилма.

ЛОКАЦИЯ [*лот.* locatio – жойлаштириш] Объект ўрнини, жойини у чиқараётган, акс эттираётган сигнал, белги (одатда товуш ёки электромагнит тўлқинлар)га қараб аниқлаш.

ЛОКАУТ [*ингл.* lock-out – эшикни ёпмоқ] *сиёс.* Корхонани ёпиб қўйиш ва ишчиларни ёппасига ишдан бўшатиш – ишчиларни ўз талабларидан воз кечишга мажбур қилиш ва шу йўл билан иш ташлашнинг олдини олиш ёки бостириш усулларидан бири.

ЛОКИН [*а.* لكنّ – аммо, бироқ] *с. т.* Лекин.

ЛОКЛАМОҚ *махс.* Нарсанинг юзига лок суртмоқ, лок бермоқ. *Маҳсини (туфлини) локламоқ.*

ЛОКОМОТИВ [*фр.* locomotive < *лот.* loco moveo – ўрнидан силжитаман] Темир йўлда ўзига тиркалган вагонларни тортиб борадиган паровоз, электровоз, тепловоз ва ш. к. ларнинг умумий номи. *Илгари жорий ремонт ишларини бажариш учун манёвр локомотивлари Туркманистондаги Қозонжиқ станциясига юборилар эди.* Газетадан.

ЛОЛ [*а.* لال – соқов, сўзлай олмайдиган] Изза бўлиб, хижолатда қолиб, қаттиқ ҳаяжон ва ҳайратдан ёки мағлубиятдан гапиролмай қолган, тили тутилган, мулзам; соқов. *Сарбасар ҳасратларинг шарҳ эткали лолдур тилим.* Хислат. *Зайнаб тамом, тамом лол эди. Сўз қотишга у беҳол эди.* Ҳ. Олимжон. *Бир гўзалким, ҳуснидан эл лол эмиш, ҳайрон эмиш.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Лол бўлмоқ (*ёки* **қолмоқ**) 1) тили тутилиб, гапиролмай қолмоқ. *Тили лол бўлди-ю, қолди сўзидан.* М. Алавия. *Лол бўлиб қолган Машарип аканинг лаблари оппоқ оқариб, саратонда титрай бошлади.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар; 2) бирор нарса айтолмай, таажжуб, ҳайрон ҳолда қолмоқ. *..бу асар шу қадар содда, ўнғай, тушунарлики, муаллифнинг мушоҳадаси ва истеъдоди олдида лол қоласан киши.* Р. Раҳмон, Халқ профессори. **Лол қилмоқ** (*ёки* **этмоқ, айламоқ**) Гапиролмайдиган қилиб қўймоқ; ҳайрон қолдирмоқ, ақл-ҳушни олиб қўймоқ. *Бунёд уйғонди дарҳол, Уни лол этди бу ҳол.* Ҳ. Олимжон.

ЛОЛА [*ф.* لاله **1** *бот.* Лоладошлар оиласига мансуб, йирик, чиройли гулли кўп йиллик ўсимлик; манзарали экма гул ва унинг қизил, сариқ ёки тарғил гули. *Лола сайли.* ▬ *Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса.* Фурқат. *Гуллар орасида лолалар қадди-қоматини кўз-кўз қилиб тебранади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Лола тердик даста-даста, кеч билан қайтдик шаҳар-Йўлда бир-бир тарқатиб Эркин муҳаббат хайлига.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Лола сайли Ўзбек халқининг қадимги удумларидан бири: қир ва адирларда лола очилган чоғда ўтказиладиган сайил, саёҳат. *Таклиф этдим тонг билан дилдорни лола сайлига, Бошим осмонларга етди, ёр деганда «майлига».* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 *кўчма поэт.* Лола рангли, қизил, қирмизи. *Очилмоқ истаркан лола дудоқлар, Жавдираб кўзларинг нечун ўйноқлар.* Уйғун. *Лола янглиғ оразингни мен кўриб тасвирда, Мубтало бўлмоқлиғим ёзмиш экан тақдирда.* Ҳамза.

3 Лола (хотин-қизлар исми).

ЛОЛАГУЛ [*ф.* لاله‌گل] *айн.* **лола 1**.

ЛОЛАГУН [*ф.* لاله‌گون – лола каби қипқизил] *поэт. айн.* **лоларанг**. *Шеъру соз завқидан чеҳрам лолагун.* Ҳ. Ғулом.

ЛОЛАЗОР [*ф.* لاله‌زار – лола экилган, ўсиб ётган ўтлоқ] Лоласи кўп, лола очилиб ётган жой. *Эй тан, бас айла ғамни, қиш ўтса, баҳор ўлур, Саҳро юзи бинафша билан лолазор ўлур.* Оразий. *Уфқдаги шафақ мана шу лолазорнинг осмон кўзгусидаги аксими ё ер кўзгусидаги бу қирмизи ранг ботаётган қуёш шафағининг аксими?* К. Яшин, Ҳамза.

ЛОЛАРАНГ [*ф.* لاله‌رنگ] Лола рангидаги, қизил, қирмизи. *Хўжабеков пиёлага лоларанг вино қуйиб, жувонга тутди.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Бектемир*] *Соф, лоларанг ёлқинга термилиб.. узоқ ўйлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ Кўкнордошлар оиласига мансуб, баҳорда очиладиган, лоласимон гулли бир йиллик ёввойи ўт ва унинг гули. *Мол боқиб юрган болалар ондасонда кўринган лолақизғалдоқ ва чучмомаларни ўзлариники қилишга талашиб юрардилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЛОМ I [*а.* لام] Араб алифбосидаги ل – “л” ҳарфининг номи. *..Нур ғалтак билан Салим вавақ “лом”ни ёзиб, “бе”ни ўқибди.* З. Саид, Ноумид шайтон.

Лом демаслик Ҳеч нарса демаслик; индамаслик. *Ишнинг енгил кўчишига севинган*

она Отабекнинг бу шартига лом демасдан кўнди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..қўриқлар Қизилқумга чегара, қумдан келаётган гармсел экинларни куйдириб юбориши, бутун меҳнат беҳуда кетиши тўғрисида нега лом демайдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Лом дея олмай қолмоқ Жавоб қайтара олмай, гапиролмай, индамай қолмоқ. [*Ҳасаналининг*] *Бу охирги жумласи Ҳомидни ерга қаратиб, лом дея олмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЛОМ II [*р.* лом – синдириб, ушатиб олинган (парча)] Бир ёки ҳар иккала учи ҳам ўткир бўлган узун, ингичкароқ металл асбоб; мисранг. *Лом билан ер ўймоқ.* ▬ *Ҳар бири девсифат, бақувват йигитлар эди. Қўлларида гурзи, чўқмор, чўкич, лом, темир пона..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛОМАКОН [*а.* لامکان – маконсиз, жойсиз; ҳар ерда ҳозир (Аллоҳнинг сифатларидан бири)] Макони, турадиган муқим жойи йўқ. [*Хатингда*] *Қаерда турišинг кўрсатилмаган ёки ломаконмисан?* "Муштум". *Шунда замин деди – мен ўзим осмон, Макон нидо қилди – менман ломакон.* Э. Воҳидов.

ЛОМБАРД [*нем.* Lombard < maison de lombard – судхўрнинг уйи < *итал.* lombardo – судхўр, банкир < Lombardia – Шимолий Италиядаги тарихий вилоят номи: ўрта асрларда ушбу вилоятдан кўплаб судхўр ва банкирлар чиққан] Ҳаракатдаги, кўчма мол-мулк ва буюмларни гаровга олиб, вақтинча фойдаланиш учун пул (қарз) бериб турувчи кредит муассасаси; гаровхона.

ЛОМ-МИМ [*а.* لام-میم – арабча ل (л) ва م (м) ҳарфларининг номи]: **лом-мим демаслик**. *айн.* **лом демаслик** *қ.* **лом**. *Жаноб тутилиб, лом-мим деёлмай қолди.* Мирмуҳсин, Нуқра. *Мударрис домла ҳам менинг кетишимга лом-мим демай рози бўлибдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Кундошларимнинг жабр-зулмига чидамадим. Эрим уч талоқ қўйганда ҳам, оғиз очиб, лом-мим демадим.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛОП *тақл. с.* Бирдан, бир онда бўладиган ҳаракатни билдиради (олов, аланга ҳақида).

Лоп этиб 1) бирдан кўтарилиб (олов, аланга ҳақида). *Кейинги тортишида сархонадан лоп этиб аланга кўтарилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) бирдан, қўққисдан. *Хотинларнинг суҳбати роса авжига чиққанида, лоп этиб Пирназар полвон келиб қолди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЛОПИЛЛАМОҚ 1 Ён-верига чайқалмоқ; баланд-пастга чайқалмоқ; лапангламоқ. *Кўчадан биров лопиллаб ўтиб кетди. Кўприк лопиллаб турибди.* ▬ *Ойшабону юзини рўмол билан ёпиб, лопиллаб кириб келди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Хона гўё қайиқдай дам у ёққа, дам бу ёққа қийшайиб, лопиллагандай бўларди.* Мирмуҳсин.

2 Лоп-лоп қилмоқ (аланга ҳақида). *Ерга тушган чироқ бир-икки лопилладию, аввал кўк, кейин қизғиш аланга кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *шв.* Лоф қилмоқ, ваҳима қилмоқ. *-Лопиллама! – уни босиб қўйди Шерали.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЛОП-ЛОЙИҚ Жуда мос, лойиқ, қуйиб қўйгандек, худди буюрилгандек лойиқ. *Этик оёғимга лоп-лойиқ экан.*

ЛОППА-ЛОЙИҚ *айн.* **лоп-лойиқ.**

ЛОРД [*ингл.* lord] **1** Англияда: юқори табақа дворянларнинг наслдан-наслга ўтиб бораверадиган унвони ва шундай унвон эгаси.

2 Буюк Британияда: баъзи бир олий мансаб эгаларига бериладиган унвон.

ЛОРСИЛДОҚ 1 Кўпчиб пишган, иссиқ ва юмшоқ. *Лорсилдоқ нон.*

2 Лорсиллаб турадиган, диркиллама (эт, бадан ҳақида). *Хаёлим парвозини овунтирган не бўлди? Тўқима комбинатнинг лорсилдоқ жувонлари.* Миртемир.

ЛОРСИЛЛАМОҚ 1 Лорс-лорс қилмоқ, таранглашиб диркиллаб турмоқ. *Лаъли чақалоқни қўлига олиб, бағрига босди-да, лорсиллаб турган оппоқ сийнани тутди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кўча-кўй гулрухсор толма қизлар, лорсиллаган келбатли аёллар билан тўлади.* С. Сиёев, Куёв салом. *Чол чакка томирларининг гурс-гурс лорсиллашига қулоқ солганча, хомуш ўтириб қолди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Тўлишиб қизармоқ. *Ойсулув ўзи ёпган нонлардай лорсиллаб, қаллиғига қаради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛОРС-ЛОРС *тақл. с.* Силкиниб, диркиллаб турувчи ҳаракат, ҳолатни билдиради.. *Бадани лорс-лорс қилади.*

ЛОС [*ф.* لاس – хом ипак чиқиндиси] **1** Пилла тортганда чиқадиган калта-култа ипак толалари, чиқинди ипак. *Бригада бошлиғи найчани лослардан тозалади, сўнгра жойига қўйди. Машина аввалгидек гуруллаб, ишга тушиб кетди.* М. Бобошев, Фабрика ифтихори.

2 Шундай чиқиндидан сиёҳдон ичига (тагига) солиб қўйиладиган нарса. *Сўнгра токчадан лос солинган довот, қамиш [қалам] ва қоғоз олиб, хонтахта устига қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛОСОСЬ [*р.* < *қад. нем.* lahs] Гўшти юмшоқ пуштиранг йирик балиқ.

ЛОСЬОН [*фр.* lotion < *лот.* lotio – ювиш, ювиниш] Терини парваришлаш учун ишлатиладиган, мураккаб таркибли косметик гигиеник восита, хушбўй суюқлик.

ЛОТ I [*а.* لات] *дин.* Арабларнинг исломдан илгариги топинган санам – маъбудаларидан бири; бут (*яна қ.* **манот** II). *Э бола, Қорахон пошшонинг динига кирсанг, лотга иқрор бўлсанг.. Зулхуморни сенга берамиз.* «Равшан».

ЛОТ II [*нем.* Lot – қўрғошин, қўрғошиндай оғир юк ёки *голл.* load] Кемадан туриб, сувнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб (дастаки, механик, гидроакустик турлари фарқланади).

ЛОТЕРЕЯ [*фр.* loterie < lot – қуръа] **1** Махсус билетлар (лотерея билетлари) сотиш орқали аҳоли маблағларини ихтиёрий равишда йиғиш, тўплаш шакли (Йиғилган маблағнинг маълум қисми пулли ёки буюмли ютуқ сифатида ўйинга киритилади). *Лотерея ўйнамоқ. Пул-буюм лотереяси.*

2 Шу ўйин учун чиқарилган билетнинг ўзи. *Лотерея сотиб олмоқ.*

ЛОТИН [*лот.* Lotinae – Марказий Италиядаги тарихий Лаций вилоятида яшаган қадимги италий қабилаларининг номи] Римга, қадимги римликларга оид; лотин тили ёки ёзуви билан боғлиқ. *Лотин тили. Лотин ёзуви. Лотин маданияти.*

Лотин Америкаси Ўрта ва Жанубий Американинг умумий номи бўлиб, халқлари асосан (лотин тилидан келиб чиққан) испан ёки португал тилларида сўзлашади.

ЛОТИНЛАШТИРМОҚ **1** Лотин тили ва лотин маданиятини ўрнатмоқ, жорий қилмоқ.

2 Алифбони лотин графикаси асосида қайтадан тузмоқ.

ЛОТИНЧА **1** Қадимги Рим тарихи ва маданиятига оид.

2 Лотин тилига, қадимги римликлар тилига оид. [*Боқижон Бақоев:*] *Практикум, минимум, максимум – булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен шахсан шундай деб биламан.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

3 Лотин графикаси асосида ишланган, лотинлаштирилган (ёзув ҳақида). *Лотинча алифбо. Лотинча ёзув.*

ЛОТ-МАНОТ [*а.* لات-منات] *дин.* Лот ва Манот; *қ.* **лот, манот.**

ЛОТО [*фр.* loto < *итал.* lotto – қуръа, чек] Махсус қартага қараб, эълон қилинган рақам ёки расмларнинг юзини соққа (фишка)лар билан беркитишдан иборат эрмак ўйин ва шу ўйинда ишлатиладиган қарталар ва номерланган соққалар. *Лото ўйини. Лото ўйнамоқ.*

ЛОТОК I [*р.* лот. – тарнов, ясси тоғора < *қад. нем.* latta – тахта] Кўчада чакана савдо қилиш учун мўлжалланган очиқ пештахта, кўчма дўконча.

ЛОТОК II Цемент ва б. нарса қоришмасидан ишланган ва бир-бирига улаб ишлатиладиган бетон тарнов; сув йўли; ариқ. *Аллақаердан тортиб келинган бетон лоток-ариқ баракдан икки юз қадамча нарида тугаб, ҳали уланмаган бир нечта лоток ерда ётибди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Бизлар пахтада ишлаймиз-у, лотоклар биқинидаги ерларга қовун-тарвуз экиб, шундан оламиз ризқимизни.* С. Нуров, Нарвон.

ЛОТОКЧИ Лотокда ишловчи. *қ.* **лоток** I.

ЛОУРЕНСИЙ [*лот.* Lowrencium – америкалик физик Э. Лоуренс номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент.

ЛОФ [*ф.* لاف – қуруқ (пуч) гап, сафсата; мақтанчоқлик] **1** Фольклордаги ҳажвий-юмористик жанрлардан бири: ҳаддан ташқари бўрттирилган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон гап; муболаға. *Абдували ўзи тўқиб чиқарган лофларига ҳаммадан кўп ўзи ишонарди.* Ф. Мусажонов, Лофчи. *Қиёсинг чин ва ё лофдир.* А. Орипов. *Бу лоф эмас, Мурод Холиқов яратгани аниқ.* «Муштум».

2 Ортиқ даражада, тўн кийдириб мақтаниш. *Ишни қилади асбоб, эгаси уради лоф.* Мақол. ▬ *Журналистларни ўт юракли кишиларга қиёс қилишади. Бу лоф эмас.* Газетадан.

Лоф деса, олақопни олиб югуради Ортиқ даражада ҳовлиқадиган, лоф қиладиган кишига нисбатан қўлланадиган ибора. **Лоф урмоқ** *(ёки* **қилмоқ**) 1) ҳақиқатга тўғри келмайдиган гапларни айтмоқ, ортиқ даражада бўрттириб гапирмоқ; муболаға қилмоқ. *Араббой.. эпласа лоф уриб, бировни гангитар, бирор манфаат чиқадиган жойдан.. қолмас*

эди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ортиқ кўпиртириб, бўрттириб мақтамоқ. *Душманнинг тўплари, аэропланлари, “ақлга сиғмайдиган” бошқа ҳунарлари ҳақида лоф қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йўлда чаён тошбақага лоф уриб Дедики: боқсам агар ўйлаб туриб, Менча сенга суйгули йўқ меҳрибон — Сен тану, гўё анга мен мисли жон!* Ҳамза.

ЛОФЧИ Лоф гапирувчи, лоф урувчи. *Саратон нафаси елади. Баъзи лофчилар — узунқулоқ сўз гадолари эса “дўзахнинг эшиги очилди”, деб шивир-шивир қилишади.* Н. Ёқубов, Суф излаб.

ЛОФ-ҚОФ: **лоф-қоф урмоқ** Ортиқ лоф урмоқ; қуруқ мақтанмоқ. [*Ғофир қози, имом, элликбошиларга:*] *Сизлар ишқ-муҳаббат деб лоф-қоф урасиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ЛОЦМАН [*голл.* loodsman < lood — йўл + man — одам] Маълум участка доирасида кема ва пароходларга йўл кўрсатувчи, уларни шу ердан олиб ўтувчи, сузиб ўтиладиган жойнинг шароитини яхши билувчи мутахассис.

ЛОЧИН 1 Йиртқич қушлар туркумининг чаққон ҳаракатли бир тури; овчилар уни қўлга ўргатиб, қуш овлайдилар. *Пориллаб учади чўлнинг лочини.* «Ойсулув». *Макони икки лочиннинг: Бири қоя, бири осмон. Қаноти икки шоирнинг: Бири ўлка, бири очун.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 *кўчма* Шу қушга нисбатли белгини билдиради; эпчил, чаққон; шижоатли. *Мамажон лочин йигит, Серҳаракат, бетиним.* Қ. Муҳаммадий. *Унинг орқасидан “лочинлари” ҳам от қўйишди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЛОЧИРА Оширилмаган (хамиртурушсиз) хамирдан юпқа қилиб ёйиб, тандирда синггак қилиб пиширилган нон. *Тандирдан лочира сингари юпқа, лекин элакдай-элакдай катта нонларни узди-да, саватга солиб, айвонга келтирди.* Ҳ. Назир, Энг муҳими. *Гулсумбиби шўрва учун тандирда лочира ёпади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛОШ [*ф.* لاش — ўлик тана, мурда] *шв.* Жонсиз гавда; мурда; ўлакса. *Кўлансойда қолди аждарҳо лоши.* «Нигор ва Замон». *Қарға, қузғун еяр гўшинг, Муродхон, сенга айтаман, Сасиб қолар сенинг лошинг. Қайтгин, одамзод, ўласан!* «Муродхон». *Саёзгина чуқурликда бутун бошли сигир лоши чўзилиб ётарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЛОЯМУТ [*а.* لايموت — ўлмас, ўлмайдиган] *эск. кт.* Ўлмас, абадий яшайдиган. *Ҳақиқат лоямутдир.*

ЛОҚАЙД [*а.* لاقيد — беғам, бепарво, беташвиш] Аҳамият, эътибор бермай; бепарволик билан, қизиқмай; бефарқ, бепарво, совуққон (одам). *Қизининг ички мақсадидан бехабар она лоқайд жавоб беради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўнглинг сезган нарсага лоқайд қарама, ўғлим, тагига ет.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *У қабулхонада ўтирганларга лоқайд бир назар ташлади-да, тез юриб, коридорга чиқди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЛОҚАЙДЛИК Лоқайд муносабат, ҳолат; бефарқлик. *Бола тарбиясига лоқайдлик — ўз келажагимизга лоқайдлик демакдир.* «Шарқ юлдузи». *Вужудимни ғалати, ифодасиз бир лоқайдлик, бефарқлик қамраб олгандай эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аёлга қўл кўтарганларнинг таъзирини бериш ўрнига лоқайдлик билан томошабин бўлиб турганларга қандай баҳо бериш мумкин.* Газетадан.

ЛОҒАР [*ф.* لاغر — ориқ, озғин, қилтириқ; кучсиз] *кт.* Жуда ориқ, озиб-тўзиб кетган. *Ёпирилиб пашша, чивин, тирнади лоғар баданинг. Қимир этарга ҳолинг йўқ, елпиғич думинг, сигирим.* «Муштум».

ЛОҲАС [*а.* لاهث — ҳарсилловчи, ҳаллословчи, нафаси қайтувчи] Бир оз тоби айниган; бўшашган, ланж ҳолатли. *Лоҳас бўлмоқ. Лоҳас қилмоқ.* ▬ *Назарнинг ранги униққан, кўзлари ҳорғин боқар, кўриниши чарчоқ, лоҳас эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Бошлари зирқираб оғрирди, кўнгли айниб, лоҳас бўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Турсуной негадир ўзини лоҳас ҳис қила бошлади.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

Лоҳас тортмоқ Лоҳас ҳолга тушмоқ, лоҳас бўлмоқ; ланж, бўшашган ҳолатга тушмоқ. *Иссиқ ўттиздан ошган кунлари айниқса лоҳас тортиб, дим дарсхонада бўғилар.. эдик.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ЛОҲАСЛАНМОҚ Лоҳас тортмоқ, лоҳас бўлмоқ. *Қўлидаги янтоқни итқитиб, ўрнидан турди. Иссиқдан лоҳасланиб, каловлана бошлади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ЛУБ [*р.* луб — шилинадиган нарса, пўстлоқ] Каноп, жут, зиғирпоя каби тола берадиган ўсимликлар ва улар пўстлоғининг (толасининг) умумий номи. *Жут толали ўсимлик бўлиб, республикамизнинг луб экинлари ичида биринчи ўринга чиқиб бормоқда.* «Фан ва турмуш». *Республикамизнинг луб экинлари экувчи хўжаликлари жут ва канопдан яхши ҳосил етиштирдилар.* Газетадан.

ЛУБКОР Луб экинлари экувчи, етиштирувчи. *Бригада лубкорлари каноп экишни ҳам биринчилардан бўлиб тугатишди.* Ҳ. Сулаймонов, Яшнаётган дала.

ЛУЗА [*пол.* luza < *фр.* blouse – аёллар кўйлагининг бир тури] Бильярд столининг бурчак ва қирғоғидаги олти тешикка осиб қўйиладиган ва шарлар уриб тушириладиган тўр халтачаларнинг ҳар бири. *Шарни лузага туширмоқ.* ▬ *Шақиллатиб у лузага туширяпман, шақиллатиб бу лузага туширяпман.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛУЗУМ [*а.* لزوم – зарурат, эҳтиёж, муҳтожлик] *эск. кт.* Зарурат, ҳожат. *-Дарвозадан чиқиб савашмоқнинг лузуми йўқдир, – деди Темиртош.* М. Осим, Ўтрор. *Тўғриси, заҳаролуд мактубингизга одамларча тушуна олмадим ва тушунишга ҳам лузум кўрмадим..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мингбоши қўлидаги чойни ҳеч бир лузумсиз айлантириб, совитмоқ билан овора эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЛУЗУМСИЗ *эск. кт.* Лозим бўлмаган, зарурати йўқ; кераксиз. *Лузумсиз ҳаракат.*

ЛУНГИ [*ф.* لنگ – бел ва сонга ўралувчи мато парчаси] **1** Ҳаммомга кирганда, белдан пастни беркитиш учун боғланадиган мато. *Афанди бир куни ҳаммомга тушган эди, ҳаммомчи уни назарга илмай, эски тос, йиртиқ лунги берди.* «Латифалар».

2 *эск.* Сартарошликда соч-соқол олдирувчи кишининг кўксига тутиладиган сочиқ. *Мўйсафид сартарош уни* [*Йўлчини*].. *курсига ўтқазиб, кирдан қатирмаланиб ялтираган лунгини бўйнига илиб, бошини ишқалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *шв.* Сочиқ, пиёла сочиқ. *Самоварда чойфурушнинг бир ўзи моғор лунгиси билан елпиниб ўтирар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қозиқ лунги, қозиқлунги Ёш келинчакнинг уйини ясатишда қозиққа илиб қўйиладиган, кашта тикилган узун сочиқ.

ЛУНЖ [*ф.* لنج – юзнинг пастки қисми; оғиз, лаб] Оғиз даҳлизининг икки ён қисми ва унинг ташқи томони. *Болалар.. лунжларини шишириб, қамиш сурнай чалишар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Хохолашиб турган болалар орқасида чап лунжи қизарган Раҳим пайдо бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Феруз нонни олиб, каттагина тишлади-да, лунжини тўлдириб чайнай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ранги синиқиб, семиз лунжлари халтадек осилиб қолди.* Н. Аминов, Суварак.

Лунжи (*ёки* **лаб-лунжи, қовоқ-лунжи**) **осилди** Юздаги хафалик, норозилик каби ҳолатни ифодалайди. *-Ана йигит-у, ана гапу, – деди қиз. Райимнинг лунжи осилди, қовоқлари уйилди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Отамнинг қовоқ-лунжи осилди. Мен бўлсам, нима дейишимни билмай, ерга қараб ўтирдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛУНОХОД [*р.* луна – ой + ход(ить) – юрувчи: ойда юрувчи, ойкезар] Ойга қўндириб ҳаракатлантирилган ўзиюрар автоматик аппарат.

ЛУПА [*фр.* loupe < *лот.* lupa – тери остидаги катта шиш, ўсма] Кичкина нарсани 2 мартадан 40–50 мартагача катта қилиб кўрсатадиган қавариқ шиша, йиғувчи линза; заррабин. *Юзлари офтобда қорайган ўрта ёшлардаги киши олмадай тошни учириб олди-да, қўлида айлантириб, лупа билан синчиклаб қаради.* М. Худойқулов, Оҳанрабо ахтариб.

ЛУТФ [*а.* لطف – мулойимлик, марҳамат; одоблилик, ёқимлилик] **1** Илтифот, марҳамат, олижаноблик. *Ағёрларга лутф ила эҳсон қачонгача?* Муқимий. *Улар, гўё бу лутфу илтифотдан хижолат чеккандай, бир зум жим қолишди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

Лутф қилмоқ (*ёки* **айламоқ**). Илтифот (марҳамат) кўрсатмоқ. *Нигоҳинг ташлагил, лутф айлабон, эй шўхи бепарво.* Увайсий. *..эшон меҳрибонлик билан лутф қилиб, мени ҳужрайи хосларига чақирдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *ад.* Сўз ёки гапни бир неча маънода ишлатишга асосланган сўз ўйини; қочирим. *Ёшларнинг бу самимий, чиройли лутфлари Муқимийнинг завқини келтирди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

Лутф қилмоқ (*ёки* **этмоқ, айламоқ**) 1) умуман, айтмоқ, демоқ. *Буюк Алишер лутф этган мисол, Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.* А. Орипов; 2) сўз ўйини, қочирим қилмоқ. *Мутриб лутф қилди: -Сиз Матюсуфнинг қулоғини бурамайсизми, Рўзимбой! – Кулишдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Онасининг лутф қилиб айтган сўзлари Бобурнинг ҳужрадан олган завқини яна бир бор оширди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЛУТФАН [*а.* لطفاً – илтифот билан, лутф юзасидан] *кт.* Олижаноблик билан, марҳамат қилиб; хайрихоҳлик юзасидан. *Шу*

ишни лутфан сиз қилсангиз, бир муштипар онанинг ҳожати чиқар эди. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Фахриддин ака “Лайломисан сан”, “Ишқингни авайла” шеърларига лутфан Турсуной учун куй басталади.* «Саодат».

ЛУТФКОРЛИК Яхшилик ва марҳамат кўрсатиш; хушмуомалалик, олижаноблик. *Подшо уни* [*Навоийни*] *лутфкорлик билан қабул қилди.* Ойбек, Навоий.

ЛУТФКОРОНА Лутфкорлик билан, марҳамат этиб; хушмуомалалик билан; лутфан. *Бу лутфкорона кулиб, ҳаётга чақириб турган қиз хаёлгина бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЛУХ *бот.* Қўға ўсимлиги ва унинг тўзғоғи. *Ийлаб тайёрлаган лойидан тош чиқмайди, лухни ҳам меъёрида қўшади.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ЛУЧЧАК 1: луччак шафтоли Туксиз, силлиқ шафтоли. *Ойдинда чиройли йилтираган чиллаки луччак шафтолилар дув-дув тўкилди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *кўчма* Кўкраги очиқ, чапани. *Луччак аравакашлар ўзларига хос чапани сўзлар билан бир-бирларининг номини чалпиб, эркалаб чақиришади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЛУҚМА I [*а.* لقمه – бир бурда, бўлак, ютум (овқат ҳақида)] **1** Озгина, бир ютум, бир ошам (оғиздаги) таом. *Ўзининг жавоб бериши лозим бўлганлигини сезган Усмон полвон оғзидаги луқмани тез-тез ютиб олади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ҳосил тагида лаззат, Ошнинг сўнгги луқмаси..* Қ. Муҳаммадий.

2: **бир луқма** Умуман, озгина, оз миқдорда. *Элмурод қаёққа қарамасин, овқатни кўрар, ҳиди димоғига урар, лекин улардан ўзига қачон бир луқма тегишини билмасди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Луқмайи ҳалол Меҳнат билан, пешона тери билан топилган пул, нарса, овқат. *Меҳнаткаш халқ дунёда энг азиздир, Луқмайи ҳалол, пешона тер лазиздир.* Ҳабибий. **Оғзидаги луқмани ютолмайди** Шудсиз, эпсиз, лапашанг. *Гўрсўхта домла.. оғзидаги луқмани ҳам эплаб ютолмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЛУҚМА II [*а.* لقمه – тўсилган нарса, тўсиқ; беркитиш] Биров гапираётганда, унинг гапига жавоб, изоҳ, сўроқ тариқасида бошқа киши томонидан қўшиладиган гап, сўз. *Абдураҳмонов луқмаларга эътибор бермади..* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шундай қилиб, кулги, қийқириқ ва ҳар хил луқмалар остида беш киши саҳнага чиқди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

Луқма ташламоқ *(ёки* **солмоқ**) Луқма тарзидаги сўз, гап айтмоқ; гап ташламоқ. *-Сен гапирганда, Шербек жим ўтирган эди! – кимдир луқма ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўрмонжон луқма солди: -Нима жиҳатдан ярамайди, илми етмайдими?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЛУҚМОН [*а.* لقمان – қадимги донишманд ва масалнависнинг номи] **1: Луқмони ҳаким** Шарқ халқлари орасида тенги йўқ ҳаким ва донолик тимсоли ҳисобланган афсонавий шахс. [*Раҳима хола:*] *Менинг қўлим эмас, Луқмони ҳакимдан қолган малҳамки таъсир қилмагандан сўнг, табиблар нима қила олар эди.* Мирмуҳсин, Чўри.

2 *кўчма* Жуда билимдон шахс (тиббиёт олимларига нисбатан қўлланади). *Ҳатто касалликни даволашда яхши кайфиятнинг муҳим роль ўйнашини қадимги араб луқмонлари ҳам айтган эдилар.* А. Зоҳидов, Узоқ умр сирлари.

3 Луқмон (эркаклар исми).

ЛУҒАВИЙ [*а.* لغوى – тилга, лексикага оид; тилшунос] **1** Луғатга, сўзга оид. *Луғавий бирлик. Сўзнинг луғавий маъноси.* ■ *“Қалам” сўзининг луғавий маъноси “тарашланган, кесик” демакдир.* «ЎТА».

2 Матндан четга чиқмай, сўзма-сўз. *Луғавий таржима.*

ЛУҒАТ [*а.* لغت – тил, шева; сўз, ибора] **1** Бирор тилдаги сўзларни маълум тартибда (одатда алифбо тартибида) жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб. *Изоҳли луғат. Ўзбекча-русча луғат. Имло луғати.*

2 Сўз; тилдаги барча сўзлар мажмуи; сўз бойлиги. *Шу гўзал, шу қутлуғ янги йил туни, Қалбим ҳаяжонга, севинчга тўлиб, Луғат бисотидан роса ахтардим, Бир оғиз ширин сўз айтмоқчи бўлиб.* Уйғун.

ЛУҒАТЧИ Луғат тузиш иши билан шуғулланувчи шахс.

ЛУҒАТЧИЛИК 1 Луғат тузиш ва у билан боғлиқ ишлар.

2 *айн.* **лексикография**.

ЛУҒАТШУНОС [луғат + *ф.* شناس – ўрганувчи] Луғатларнинг, луғат тузиш ишининг назарий ва амалий жиҳатларини, уларни

такомиллаштириш йўлларини ўрганувчи шахс.

ЛЮИЗИТ [*ингл.* lewisite < америкалик кимёгар У. Льюис (Lewis) номидан] Таркибида хлор ва маргимуш бўлган рангсиз суюқлик, кучли заҳарловчи модда.

ЛЮК [*голл.* luik] Бирор нарсанинг ичига кириш, тушиш ва ш.к. учун хизмат қиладиган, қопқоқ билан беркитиладиган туйнук, тешик. *Тепадаги люкдан пахта бамисоли лайлак қордай тушиб турса ҳам, одамлар ишни тўхтатиб.. бехол ётган бир ишчининг тепасида нима қилишларини билмай туришарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Немис танки остида граната портлади. Бир неча секунддан кейин люк очилиб, қоп-қора тутун бурқсиди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЛЮКС I [*фр.* luxe – ҳашам, зеб-зийнат; улуғворлик] Бошқаларидан фарқли ўлароқ, юқори сифатли буюм, қимматбаҳо нарсалар билан безатилган магазин, меҳмонхона номери, поезд, пароход купеси ва ш. к. ни ифодаловчи сўз. *Оқсоқол, бу ётоқхона эмас, бамисоли люкс меҳмонхона..* Газетадан. *Хоҳласангиз, люкс хонада ётишингиз мумкин.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Жигулининг люксидан бошқа ҳамма машина ҳайдовчини ҳоритади.* С. Нуров, Нарвон.

ЛЮКС II [*лот.* lux – ёруғлик] Халқаро бирликлар тизимида ёритилганлик ўлчов бирлиги.

ЛЮКСМЕТР [*лот.* lux – ёруғлик + *юн.* metreo – ўлчайман] Фотометрларнинг бир тури; ёритилганликни бевосита люксларда ўлчайдиган асбоб.

ЛЮМБАГО [*лот.* lumbus – бел] *тиб.* Бел оғриғи, беланги.

ЛЮМЕН [*лот.* lumen – ёруғлик] Халқаро бирликлар тизимида ёруғлик оқими бирлиги.

ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ [*лот.* lumen, luminis – нур, ёруғлик + escent – кучсиз, суст ҳаракатни, таъсирни ифодаловчи қўшимча] Муайян модданинг бирор ташқи энергия манбаи – ташқи нурланиш, электр разряди, кимёвий жараёнлар ва ш. к. қўзғатиши натижасида нурланиши, нур сочиши ва бу ҳолатнинг модда қизишига сабаб бўлмаслиги.

ЛЮМПЕН-ПРОЛЕТАРИАТ [*нем.* Lumpen – жулдур кийим, увада + пролетариат] *тар.* Капиталистик жамиятда ўз синфий қиёфасини йўқотган, разиллашган ялангоёқлар, саёқлар, қашшоқлар.

ЛЮСТРА [*фр.* luster – ялтираш, ярқираш; ялтироқлик] Бир неча шамдонли ёки лампа (лампочка)ли осма чироқ, чилчироқ. *У уйқу босганини яширишга тиришиб, гоҳ шипдаги люстрага, гоҳ янги олинган хоразм гиламига.. қараб қўярди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЛЮТЕЦИЙ [*лот.* Lutecium < Lutecia – Парижнинг лотинча номи] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушсимон оқ юмшоқ металл.

ЛЯ [*лот.* la] Мусиқа гаммасининг олтинчи товуши ва унинг нота белгиси.

ЛЯПИС [*лот.* lapis infernalis – дўзах тоши] *ким.* Кумуш нитрат, оқ кристалл модда (тиббиётда яллиғланишга қарши, баданнинг бирор касалланган жойини куйдириш учун ишлатилади). *Сўгални ляпис билан куйдирмоқ.*

ЛЎК [*ф.* لوک – калта юнгли, юк ташувчи туя] Боши кичикроқ, бўйни узун, бир ўркачли катта туя, етакчи туя. *Қаторига тиркалган лўк билан норча, Устига юкланган қирмизи парча.* «Алпомиш».

ЛЎКИДОН [*ф.* لوکیدان – ёғоч қулф] **1** *эск.* Эшикни беркитиш, қулфлаш учун ишлатиладиган жуда содда ёғоч қулф, мослама. *Кишан қулф синдирилиб, занбил эшик ҳам очилди, ҳужрадаги лўкидоннинг "тили"га тушунадиган ўғри бўлса, уни ҳам очди деяйлик.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Жувозкаш лўкидонни суриб, эшикни очди, пиликли мойчироқни ёқди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

2 *кўчма с.т.* Кетида эргашиб, осилиб юрадиган шахс. *Эҳ, қачонгача шофёрнинг лўкидони бўлиб юраман. "Правам" бўлса бор.* И. Раҳим, Шонли авлод.

ЛЎКИЛЛАМОК 1 Қадамларини катта-катта ташлаб, лопиллаб юрмоқ, лўк-лўк қилмоқ (асосан, от, туя кабилар ҳақида). *Болалар кўча чангитиб, лўкиллаб юраётган от ортидан пиёда боришарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Саман лўкиллаб бориб, қадамини секинлатди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Кишининг шу каби юришини билдиради, юришини шунга қиёсан ифодалайди. *Худди яшил кўрпа устида юргандек лўкиллаб қадам ташлайсиз.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

3 *кўчма* Овора, сарсон бўлмоқ; беҳудага бориб келмоқ. *Қўйсанг-чи хархашангни. Шу вақтда лўкиллашга кимнинг ҳафсаласи бор?* О. Ёқубов, Оқ йўл. *Кунда бир, нари борса, икки марта келади. Районга борадиган бечоралар сенга ўхшаб, пиёда лўкиллаб юради.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЛЎККИ [*ф.* لکّه – лўкиллаб юриш] Лўкиллаб юрадиган (от, туя, эшак ҳақида). *Эшак бозоридан олган куррам.. арвоҳ урган даванг, лўкки чиқиб қолди.* «Муштум».

ЛЎК-ЛЎК: **лўк-лўк қилмоқ** Лўкиллаб юрмоқ.

ЛЎКЧА Ёш туя. *Муна тоғда бўктарилган қормисан, Қаторга тиркалган лўкча нормисан.* «Алпомиш».

ЛЎЛА [*ф.*لوله – қувур, труба]*:* **лўла болиш** Ғўла шаклидаги ёстиқ. *Қарасам, лўла болишдек баҳайбат бир махлуқ.. хунук тумшуғини нам тупроққа тираб, ҳансираб ётибди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. *Пайғомов лўла болишга ёнбошлаб, Нусратбекка ҳам ёстиқлардан суриб қўйди.* С. Нуров, Нарвон.

ЛЎЛИ [*ф.* لولی – жўғи; ашула айтиб рақсга тушувчи] **1** Асли ватани Ҳиндистон бўлиб, турли даврларда у ердан тарқалиб, дунёнинг кўп жойларида тўдалашиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирувчи, баъзи жойларда турғун яшайдиган бўлиб қолган халқнинг номи.

2 *кўчма с.т.* Уришқоқ, жанжалкаш, шаллақи (кўпинча аёлларга нисбатан ишлатилади).

Лўлининг эшагини суғор, пулини ол Пул, фойда чиқадиган ишни қилавер, мазмунидаги ибора. *..биринчидан, пулнинг қадрини бил, лўлининг эшагини суғор, пулини ол..* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛЎЛИВАШ [*ф.* لولی‌وش – лўлига ўхшаш, лўлисифат; шўху бетакаллуф] *поэт.* Кишини сеҳрлаб, ўзига мафтун қилувчи, шўх ва гўзал (севгили маҳбуба ҳақида). *Лўливаш ул дилрабонинг ошиқи зори бўлиб, Телба мажнундек юруб, вайронадур маконимиз.* Сайёдий, Тоҳир ва Зуҳра.

ЛЎЛИЛАР Асли Ҳиндистондан тарқалган ва дунёнинг кўп жойларида (Осиё, Африка ва Европада) тўдалашиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирувчи халқ.

ЛЎЛИЛИК Лўлига хос қилиқ, хатти-ҳаракат; уришқоқлик, жанжалкашлик. *Лўлилик қилмоқ.* ▬ *Арзанда қиз мактабга борди. Мактабда ҳам у лўлилиги, уришқоқлиги, бебошлиги билан ном чиқарди.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб. *Комила лўлилик қилиб, бировга гап бермай бидирлар, Қўзибой эса тўнғиллар эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ЛЎМБИЛЛАБ Енгил, ёқимли ҳаракатланиб (тўладан келган шахсга нисбатан қўлланади). *-Боравер, – дея Зулфия лўмбиллаб, ошхона томонга кетди.* Н. Қиличев, Ёронгул.

ЛЎМБИЛЛАГАН Лўппи, тўладан келган (шахс ёки унинг бирор аъзосига нисбатан қўлланади). *..басавлат киши оппоқ пўстинча кийган.. 6 ёшлар чамасидаги лўмбиллаган ўғилчасини етаклаб чиқди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *-Бу гапинг маъқул, – деди Фармон кал Парфи сўтакнинг лўмбиллаган юзларига жилмайиб қараб..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЛЎМБОЗ 1 Том ёки пахсага босиш учун юмалоқланган бир бўлак лой, умуман, томга босиш учун тайёрланган лой. *Лўмбоз қилмоқ. Томга лўмбоз босмоқ.* ▬ *Тепасига тўсин териб, шох-шабба бостириб, лўмбоз қўйишга тайёрлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЛЎМБОЗДАЙ, -дек *с. т.* Бесўнақай, катта, қўпол. *Шалоқ дарвозага лўмбоздай қулф осиғлиқ эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ким биринчи ўғил кўргани, кимнингдир қўйлагига сиғмай, лўмбоздай тўлишганигача гапира бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЛЎНДА [*ф.* لنده – жавраш, вайсаш, минғирлаш] Қисқа, ихчам ва аниқ (гап-сўз, фикр-мулоҳаза ҳақида). *Халқ ибораси лўнда бўлади.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *-Лўнда қилиб айтганда, менга ҳам, сизга ҳам ўқиш, ўрганиш зарур, – деди Комила.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мавлон ака гапнинг лўндасини айтди-қўйди: -Бойнинг шолини қаерга яширганини Қобил билади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЛЎП: лўп этиб: Бирдан, қўққисдан. *Биз уларни келтириб, суриштириб кўрамиз, орадан ўғри лўп этиб чиқиб қолади.* С. Айний, Жаллодлар.

ЛЎППАК *айн.* **лўппи 2**. *Ғўза жуда бўлиқ эди, қирққа яқин чаноқдаги пахта лўппак бўлиб турипти.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ЛЎППИ 1 Дўмбоқ, дўндиқ, семиз. *Лўппигина бола.* ▬ *Юзи ширмой нондек лўппи, гавдаси юм-юмалоқ, кўкракдор ёш аёл [Мастура] том лабига келиб.. чўққайди.* Ойбек О. в. шабадалар. *Кўм-кўк кўзли латта*

қўғирчоқнинг лўппи юзи олмадек қип-қизил эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Тўлиб чиққан, очилган (пахта ҳақида). *..Худди ўзининг юзидай чиройли, лўппи пахталар..* «Ёшлик».

ЛЎПЧИК 1 Учига пахта ўралган чўп (сиқилган ўсма, йод каби суюқ нарсага тегизиб, бирор нарсага суртиш учун ишлатилади). *Лўпчик билан ўсма қўймоқ.*

2 Пахта ёки латтани юмалоқлаб, чўпга суқиб ёки симга боғлаб, керосин, қорамой шимдириб, машъала сифатида ишлатиладиган нарса. *Бир бола лўпчикка ер мойи сепиб турди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Ерга суқилик, одам бўйи темир учида лўпчик ловлов ёниб туради.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЛЎТТИБОЗ [*а.* لوطى – Қуръонда зикр этилган пайғамбар – Лут (لوط) га тегишли, алоқадор + *ф.* باز – ўйновчи: ахлоқсиз; шум, айёр] **1** *эск.* Қўғирчоқлар ўйнатиб, ўйин кўрсатувчи; фокусчи.

2 *кўчма* Фирибгар, ҳийлагар, алдоқчи, найрангбоз. *Шу мўъжаз ҳаётимда кўрдим гоҳо лўттибоз, Кўрдим гоҳо шеърфуруш, гоҳо сур, мансабфуруш.* А. Орипов.

ЛЎТТИБОЗЛИК 1 Лўттибоз иши, ўйини (*қ.* **лўттибоз 1**). *От ўйин, лўттибозлик.. ва бошқа томошаларда ҳозир бўлдик..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Лўттибозга хос иш, хатти-ҳаракат (*қ.* **лўттибоз 2**). *Ҳалиги қавмдаги муаллифлар энди ошна-оғайнигарчилик, лўттибозлик, гуруҳбозлик.. йўлига ўтиб олдилар.* Газетадан. *Баъзилар унга қараб, ҳиҳилаб кулиб тарқалишди. Баъзилар бу лўттибозликдан ранжишди.* Мирмуҳсин, Супургига сажда.

ЛЎЯ *шв.* Ловия.

ЛЎҚ: кўзини лўқ қилиб Кўзни узмай, индамай, без бўлиб. *Ҳамма кўзини лўқ қилиб, отга қарайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Умид кирганда ҳам, чиққанда ҳам кўзларини лўқ қилиб қараб турувчи бу хотинни аввллари хуш кўрмасди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЛЎҚИЛЛАМОҚ Қаттиқ-қаттиқ урмоқ, тепмоқ; санчиб-санчиб оғримоқ, лўқ-лўқ қилмоқ (томирнинг уриши, қаттиқ оғриқ ҳақида). *Томирим лўқиллаяпти. Бошим лўқиллаб оғрияпти.* ▬ *Қия ўтирган Ҳаётнинг чакка томирлари лўқиллар, бекасам камзулга тиқилиб турган бўлиқ кўкраги нафасига ҳамоҳанг бўлиб, гоҳ кўтарилар, гоҳ тушар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛЎҚ-ЛЎҚ Лўқиллаб (Қон томирининг қаттиқ уришини, оғриқ зарбини билдиради). *Зўр бериб малҳам сурганига ҳам қарамай,* [*жароҳат*] *хасмолдек лўқ-лўқ алам берарди.* Мирмуҳсин, Чўри.

Лўқ-лўқ қилмоқ *айн.* **лўқилламоқ**. *Уч коса қимиздан сўнг Шербекка бутун бадани қизиб, чакка томирлари лўқ-лўқ қилаётгандай туюлди.* С. Анорбоев, Оқсой.



МА *унд. с.* Бирор нарсани узатиб, уни олишга ундашни билдиради. -*Ма, чой келтир, — деб Аваз унга чойнак тутқазди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАБЛАҒ [*а.* مبلغ – нақдина, тайёр пул; ўлчам; даража; чегара] Бирор нарса яратиш, қуриш, ўтказиш ва ш. к. учун сарфланадиган, ишлатиладиган маълум миқдордаги пул ва б. нарсалар. *Халил Жалиловнинг таклифлари давлат учун неча юз минглаб маблағни тежайди.* Туйғун, Дўстлик севинчлари. *Давлат фан равнақи учун ҳеч нарсани аямай маблағ ажратса-ю, уни кимлардир талон-торож қилса?!* С. Кароматов, Олтин қум.

МАБОДО [*ф.* مبادا – худо сақласин; қанчалик ..масин] **1** *юкл.* Шарт эргаш гапли қўшма гапларда шарт гапга оид эҳтимоллик, аниқ эмаслик маъносини билдиради, қайд этади; агарда, борди-ю. *Мабодо бир нима сўралса, қисқа жавоб қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мабодо қийналсанг, тўғри олдимга келавер.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Арман юртин кўролмасам мабодо, Бу дунёдан армон билан ўтардим.* Э. Воҳидов.

2 *мод. с.* Аниқ эмаслик, эҳтимоллик маъносини билдиради. *Мабодо келмайдими?* ▬ *[Тожибой:] Хатни тушган жойига қолдириб келдимки, мабодо қўлга тушмасин деб.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Мабодо Тўямўйинга ишга кетаётганингиз йўқми?* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАВЖ [*а.* موج – тўлқин] **1** Сув юзида шабададан ҳосил бўладиган жимир-жимир ҳаракат; жимирлаш. *Рави дарёси узоқда, кўм-кўк мавж билан секин оқади.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *геогр.* Океан ёки денгиз юзасининг тўлиқ шамолсизлик ҳолатидаги эркин тебранма ҳаракати.

3 Товланиш, жилва. *Арчаларнинг тоза, яшил мавжи нур билан ярқираб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 *махс.* Ўймакорликда: нақш юзасига балиқ тангачалари кўринишида туширилган тўлқинсимон безак

5 *кўчма кам қўлл. айн.* **тўлқин.** *Ҳавода одамлар, қушлар ва машиналар садосидан бириккан қандайдир ёқимли бир мавж сузар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

Мавж урмоқ 1) мавж қилмоқ, жимирламоқ, мавжланмоқ. *Денгиз мавж урмоқда;* 2) тўлқинланмоқ, тебранмоқ. *Дарё томондан ғириллаб эсиб турган шабада йўл бўйидаги ўт-ўланларни эгар, тебратар, сарғайиб бораётган арпалар мавж урар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) *кўчма* тўлқинланмоқ, ғулу қилмоқ. *Шикоятли нидолар ёш йигит қалбида ёлқинли ва дардли туйғулар мавж урганидан хабар берар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАВЖЛАНМОҚ 1 Мавж ҳосил бўлмоқ, жимирламоқ, аста тўлқинланмоқ. *Ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби.. мавжланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Товланмоқ, жилваланмоқ. *Шонага кирган ғўзалар қуёш нурида мавжланади.* ▬ *Пешона ва чаккасида салқиган сочларининг жингалакларида шуълалар мавжланиб ёнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Акс этмоқ, барқ урмоқ. *Охуннинг шафқатига ҳамма чуқур сезги билан қаради, бу ҳис уларнинг кўзларида, юзла-*

рида равшан мавжланди. Ойбек, Танланган асарлар.

МАВЖУД [*а.* موجود – бор; нақд, бор бўлган] **1** Ихтиёрда ёки умуман воқеликда бор бўлган; бор. *[Тўлаган:].. мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланишга.. нималар тўсқинлик қилаётгани тўғрисида гапириб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кесим взф.* Бор, муҳайё. *Ўқиш учун барча имкониятлар мавжуд.* ▬ *Доирачи, раққос ва созандалар ўртасида томошабин сезмайдиган нозик алоқа ипи мавжуд.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

МАВЖУДИЯТ *эск. кт.* **1** *айн.* **мавжудот.**

2 Борлик, мавжудлик. *Менга асрдош бўлган бир киши ўз мавжудиятидан.. инсон бўлганидан хафа.* Ғ. Ғулом, Афсона.

МАВЖУДЛИК Бор бўлишлик, мавжуд ҳолатдалик, мавжуд эканлик. *[Мирзакаримбой] Гулнорни севган ва у билан тил бириктирган бир йигитнинг мавжудлигини ўша вақтларда билган бўлса ҳам, унинг хотиридан Йўлчи сира кечмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАВЖУДОТ [*а.* موجودات – барча бор бўлган, аниқ нарсалар] *кт.* Олам, табиатда бор нарсалар мажмуи, дунёда мавжуд нарсалар, бутун борлиқ. *Мавжудотнинг яратилиши ҳақидаги афсоналар.* ▬ *Мавжудотнинг жони – сув.* Х. Расул, Бахт нашъаси.

МАВЗЕ [*а.* موضع – жой, ўрин; вазият, мавқе] Шаҳар ва шаҳар атрофидаги аҳоли яшайдиган жойларнинг кичик ҳудуди, маҳалласи. *Тошкентнинг Аския мавзеи. Бешёғоч мавзеи.* ▬ *Ракат мавзеида отамдан қолган жой бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАВЗОЛЕЙ [*лот.* mausoleum < *юн.* Mausoleion – милоддан аввалги 4-асрда Кичик Осиёда Кария шоҳи Мавсол учун қурилган машҳур мақбара] Қабр устига ишланган маҳобатли, улуғвор ёдгорлик; мақбара.

МАВЗУ [*а.* موضوع – жойлаштирилган; тўқиб чиқарилган; тема, сюжет] Илмий тадқиқот, бадиий асар, фикр-мулоҳаза юритиш, суҳбат, маъруза ва ш.к. учун танлаб олинган объект. *Илмий мақола мавзуи.* ▬ *Турли мавзуларда.. дилкаш суҳбат қилишди.* Ойбек, Навоий. *Ибодов бу гапга ишонмади. Лекин мавзу қизиқтириб қўйган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Самоварларда, гузарларда, тўю томошаларда бўладиган аскиялар ҳамон «Ғиёс ўғри» мавзуидан четга чиқмасди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *У Элмурод бор жойда тек туролмас.. бирон илмий ёки диний мавзуда масала талашиб ўтиришни яхши кўрар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАВЗУН [*а.* موزون – яхши ўйланган; бараварлаштирилган; тузилиши келишган] *кт.* Келишган, хушбичим, хушқомат. *Қай куни учради бир шўхи ситамгар мавзун.* Увайсий. *Карима отинга яқин келиб, чилвир сочлари билан тўлиб турган мавзун елкасини тутиб кўришди.* Ғайратий, Довдираш.

Қадди мавзун Қад-қомати келишган. *Саҳнада гул-гул ёниб, бир қадди мавзун ўйнади.* Ҳабибий.

МАВИЗ [*ф.* مويز – қора майиз] *эск.* Майиз ва майиздан тайёрланган, кайф берувчи ичимлик; май. *Ул вақт биз, бошимизга хоҳ кулфат тушсин, хоҳ бахт қуши қўнсин, бирга бўлгаймиз, бир мавиз топсак, бўлиб егаймиз деб.. аҳд қилган эрдик.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Уй эгасининг айтганидек, мавиз жуда ҳам тиниқ, яхши кўк чой каби мусаффо эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАВЛОНО [*а.* مولانا – жаноб, ҳукмдор; ҳомий (мурожаатда: эй ҳукмдоримиз)] Мусулмон шарқида: олим ва фозил кишиларни, устозларни, юксак мартабали амалдорларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган фахрий сўз. *[Навоий:] Келинг, пирим! Келинг, мавлоно Жомий.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *..мавлоно Беҳзод чизган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро тасвирлари расмий доираларда шуҳрат топган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МАВЛУД [*а.* مولود – туғилган; туғилиш] **1** Туғилган кун ва шу муносабат билан бериладиган зиёфат. *Мавлуд тўйи.*

2 *дин.* Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни ва унинг шарафига бериладиган зиёфат; пайғамбарнинг шундай зиёфатда ўқиладиган таржимаи ҳоли. *Эшон.. имомликдан ташқари.. мавлуд ўқир эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *эск. айн.* **таваллуд 1.**

4 Мавлуд (эркаклар исми).

МАВОЗА [*а.* معاوضه – ўрнини қоплаш; айирбошлаш] *эск.* Ўрнига ўрин олиш; айирбошлаш, алмаштириш.

Мавоза қилмоқ Айирбошламоқ.

МАВР [*юн.* mauros – қора] *қ.* **маврлар.**

МАВРАК *бот.* Лабгулдошлар оиласига мансуб, барглари узун, гуллари кўк, бинаф-

ша, кўп йиллик ўт ёки ярим бута (халқ табобатида қувватлантирувчи, турли яллиғланиш, шамоллашларни даволовчи дори сифатида қўлланади).

МАВРИГИ [< Марв шаҳри номининг метатезага учраган шаклидан: марвлик (эроний)] Бухоро мусиқа анъаналарига хос, туркум шаклида ижро этиладиган қўшиқ ва куйлардан иборат, авжи шўх рақс билан якунланадиган фольклор жанри.

МАВРИД [*а.* مورد – манба, имконият; даромад] Бирор ишнинг амалга ошиши ёки оширилиши учун қулай вақт, пайт, фурсат. *Шу мавридда. Мавриди келганда. Мавриди билан.* ▬ *Ҳозир томошанинг мавриди эмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ўша қиз олдида ўзини ноқулай аҳволда сезди, мавридини топиб, узр сўрагиси келар эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

МАВРЛАР Антик давр ва ўрта асрларда: Шимолий Африканинг Мисрдан ташқари қисмида яшаган туб аҳолисига, шунингдек, Испанияни забт этган арабларга европаликлар томонидан берилган ном.

МАВСУМ [*а.* موسم – маълум вақт; сезон; байрам] **1** Йилнинг маълум фасли ёки вақтида бўладиган ёки амалга ошириладиган иш даври. *Пахта мавсуми. Йиғим-терим мавсуми. Қурт тутиш мавсуми.* ▬ *Боғ мавсуми тамом бўлиб, Шакархонлар ҳам шаҳар ҳовлиларига кўчиб келдилар.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Катта футбол мавсумига республикамиз жамоалари ҳам ҳозирлик кўришди.* Газетадан. *Август ойи – ўзбек диёрининг янада сўлим бир мавсуми.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *с.т.* Фасл, йил фасли. *Куз мавсуми. Ёз мавсуми.*

МАВСУМИЙ [*а.* موسمی – маълум вақтга, мавсумга оид] Маълум мавсумда бўладиган, мавсумга оид. *Мавсумий иш. Мавсумий шамоллар.* ▬ *Қишда бекор ётадиган ва ёзда фойдаланиладиган мавсумий хумдон нормал ишлатилмайди.* Газетадан. *Дала шийпонлари ҳам, мавсумий яслилар ҳам хўжакўрсинга бор.* А. Халилов, Пахтакорларга ғамхўр бўлайлик.

МАВСУМЛИ *айн.* **мавсумий.** *Йиғим-терим мавсумли иш, кечиксанг, ютқизасан.* И. Раҳим, Ихлос.

МАВҚЕ [*а.* موقع – ўрин, жой; вазият] Шахс, нарса, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг тутган муайян ўрни, даражаси, ҳолати; мартаба. *Ҳозирги замон илмида муҳим мавқени эгаллаган, ғоят жадал суратлар билан тараққий этаётган фанлардан бири кибернетикадир.* «Фан ва турмуш». *Табиат зап қизиқ нарсада. Унда ҳамма нарса мавжуд, ҳамма нарсанинг ўз ўрни, ўз мавқеи бор.* Н. Фозилов, Дийдор. *Мана шу оёғимда тик турибман, эл аро ўз ўрним, ўз мавқеим бор.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

МАВҲУМ [*а.* موهوم – хаёлда гавдаланган, хаёлий; бесаранжом] **1** Ақл билан фикрлаш орқали тасаввур этиладиган; абстракт. *Мавҳум тушунчалар. Мавҳум сонлар (мат).*

2 Аниқ эмас, мужмал. *Мавҳум жавоб.* ▬ *Тарбиявий ишда қуруқ шиорбозлик ва мавҳум чақириқдан қочмоқ керак.* Газетадан. *Унда олдинга сурилган кўп масалалар мавҳум, мужмал, ҳатто ноўрин жойлари ҳам бор.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МАВҲУМЛИК Мавҳум ҳолат, мавҳум нарсалардан иборат олам; мавҳум эканлик. *Масала мавҳумлигича қолди.* ▬ *Теварак унинг бошида ғужғон кўтарилган саркаш фикрлар сингари бешакл, аралаш-қуралаш, мавҳумликлар қўйнида сузарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Нуқра ўзи истамагани ва сезмагани ҳолда.. чигаллик ва туманлик қоплаган мавҳумлик томон борарди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МАВҲУМОТ [*а.* موهومات – «мавҳум» с. кўпл.] *эск. кт.* Мавҳум нарсалар, хаёлий тушунчалар. *Хаёл тизгини унга тутқич бермай, олис-олисларга, мавҳумотлар оламига етаклар эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Эшик ёпилгач, яна қуйқалик, мавҳумот олами оғушига чўмаман.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

МАГАЗИН [*фр.* magazin < *а.* مخزن – омбор; катта магазин] **1** Турли буюмлар сотиладиган чакана савдо дўкони ва унинг биноси. *Озиқ-овқат магазини. Саноат моллари магазини. Китоб магазини. Атторлик магазини.*

2 *тех.* Қурол, аппарат ва асбобларнинг бирор нарса жойлаштириб қўйиладиган қисми (коробка, трубка ва ш.к.). *Милтиқ магазини. Фотоаппарат магазини.* ▬ *Яқинда ўнта патрон жойланадиган магазинли ярим автомат винтовкани ўргандилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

МАГАЗИНЛИ *тех.* Магазини бўлган, магазин билан таъминланган. *Магазинли автомат.*

МАГАЗИНЧИ 1 Магазин эгаси, магазини бўлган савдогар.

2 Магазинда ишловчи киши; сотувчи. *Магазинчидан эртагача ушлаб туришини илтимос қилиб кетган.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

МАГАР [*ф.* مگر – аммо, лекин; шекилли] *боғл. эск. кт.* **1** Сўроқ, тааҗжуб, тасдиқ билдиради. *Магар истиқбол шу экан, келин, биз ҳам кирайлик, қизнинг тилини, дилини, тилак-истакларини билайлик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фақат, ёлғиз. *Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Мусулмонқул даккисини еб келган, магар уламо халқи ундан жуда рози.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *айн.* **агар.** *Субҳ чоғида магар, чиққанда ёрим тўлғаниб, Гул ёқасин чок этар, булбулда афғон қўзғалур.* Ҳабибий.

МАГИСТР [*лот.* magister – бошлиқ; мураббий, устоз] Айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда: университетни ва унга тенглаштирилган олий ўқув юртини тугатган, бакалавр даражасига эга бўлиб, 1–2 йил давомида магистратурада ўқиб, тегишли имтиҳонларни топширган ва диссертация ҳимоя қилган шахсларга бериладиган даража ва шу даража эгаси.

МАГИСТРАЛ [*лот.* magistralis – бош, асосий] Асосий, бош (канал, йўл ва ш.к. да бош ўрин тутган, асосий). *Яхшиси, ишни магистрал канал ва янги ерлар очилаётган туманлар бўйлаб саёҳатдан бошлайлик.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МАГИСТРАЛЬ [*лот.* magistralis – бош, асосий] **1** Қатнов йўли ва, умуман, тармоқланган системаларнинг асосий қисми. *Темир йўл магистрали.* ▬ *Тошкентнинг турли томонларига олиб борувчи янги магистраллар шу майдонда кесишади.* Газетадан.

2 Электр, телеграф, телефон, канализация ёки водопровод тармоқлари системасида асосий кабель ёки труба. *Газ магистрали.* ▬ *Довонлар орқали ўтган пўлат магистраль ўн беш минг гектар майдондаги яйловларни сув билан таъминлайди.* Газетадан.

МАГИСТРАНТ [*лот.* magistrans, magistrantis – магистр бўлишга тайёрланаётган] Магистр даражаси учун имтиҳон топширган, лекин диссертация ҳимоя қилмаган шахс.

МАГИСТРАТУРА [*лот.* magistratus – давлат мансаби, амали; мансабдор шахс] **1** Қадимги Римда: давлат лавозими.

2 Бир қанча мамлакатларда: олий таълим босқичи.

3 Ўзбекистонда: муайян ихтисослик бўйича назарий ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати 2 йил давом этадиган олий таълим. *Магистратурага кирмоқ.*

МАГМА [*юн.* magma – хамир, қоришма] *геол.* Ернинг чуқур қатлами ичида ҳосил бўладиган чўғсимон суюқ модда. *Ўрта Осиё шароитида туб олтин конлари магма юқори қатламларга чиққандан кейинги даврда ҳосил бўлади.* С. Кароматов, Олтин қум.

МАГМАТИК Магмадан ҳосил бўлган, магма ҳолидаги. *Магматик модда.* ▬ *Бироқ уни баъзи бир турдаги магматик жинслар атрофида қидириш керак.* С. Кароматов, Олтин қум.

МАГНАТ [*лот.* magnatus – бой, машҳур кишилар] Саноатда ёки тижоратда йирик пул суммасини тўплаган мулк эгаси. *Нефть магнатлари.*

МАГНЕЗИТ [*лот.* magnesia – магнезия] Магний билан карбонат кислотадан ҳосил бўлган ўтга чидамли оқ ёки сарғиш минерал.

МАГНЕЗИЯ [*лот.* magnesia < Magnesia (Магнесия) – Кичик Осиёдаги қадимги шаҳар номи] Магнийнинг кислородли бирикмаси, магний оксид; кукун ёки кристалл модда (тиббиётда ва техникада қўлланади).

МАГНЕТИЗМ [«магнит» сўзидан] **1** Магнит, электр токлари ва электр зарядларининг баъзи жисмларни ўзига тортиш ёки ўзидан итариш хусусияти.

2 Магнит ҳодисалари ва жисмларнинг магнит хоссалари ҳақидаги таълимот.

Ер магнетизми 1) Ер шарининг ўз атрофида магнит майдони ҳосил қилиш хусусияти; 2) геофизиканинг Ер шари магнит майдонини текширадиган бўлими.

МАГНЕТО [*ингл.* magneto (electric machine)] Ички ёнишли двигателларнинг цилиндридаги ёнилғи аралашмасини ўт олдириш учун хизмат қиладиган электромагнитли асбоб.

МАГНИЙ [*лот.* magnesium – Кичик Осиёдаги қадимги шаҳар – Magnesia (Магнесия) номидан] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оппоқ ёруғ аланга бериб ёнадиган кумушранг ялтироқ, енгил металл.

МАГНИТ [*юн.* Magnetis lithos – Магнесия (Magnesia) тоши] Темир ва пўлат буюмларни ўзига тортиш ёки ўзидан итариш хусусиятига эга бўлган жисм. *Табиий магнит. Сунъий магнит.*

Магнит аномалияси Ер магнетизмининг ер юзасининг темир рудаларига бой жойларида кескин ортиб кетиши (бошқа жойларга нисбатан). **Магнит бўрони** *физ.* Қуёш фаоллигининг кучайиши натижасида ер юзасининг катта ҳудудларида, баъзан барча ҳудудида Ер магнит майдонининг аҳён-аҳёнда юзага келадиган қисқа муддатли кескин ўзгариши. **Магнит лента** Товуш (мусиқа, нутқ) ёзиб олиш ва қайта эшиттириш учун ишлатиладиган, сиртига магнит қатлами суртилган юпқа қайишқоқ лента; магнит тасма. **Магнит мили (***ёки* **стрелкаси)** Тик ўқ устида бемалол айланадиган, бир учи доим шимолга қараб турадиган, чўзиқ ромб шаклидаги нозик магнит; компаснинг асосий қисми.

МАГНИТЛАМОҚ Магнит хусусиятини бермоқ. *Компас стрелкасини магнитламоқ.*

МАГНИТЛИ Магнит хусусиятига эга бўлган.

МАГНИТОГРАФ [магнит + *юн.* grapho – ёзаман] Ер магнит майдони ўзгаришларини мунтазам қайд қилиб борадиган асбоб.

МАГНИТОМЕТРИЯ [магнит + *юн.* metreo – ўлчайман] Геофизиканинг Ер магнит майдони ва унинг аномалияларини ўрганувчи бўлими.

МАГНИТОФОН [магнит + *юн.* phone – товуш] Овозни электромагнит усул билан ёзиб оладиган ва эшиттирадиган мослама, аппарат. *Овозни магнитофонда ёзиб олмоқ. Магнитофон ёзуви.* ▬ *Овқатдан кейин Аҳмад меҳмонларга магнитофон қўйиб берди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳозирги замоннинг энг янги магнитофонлари билан қуролланган бу студияда ижодий иш қизғин.* А. Пўлатов, Янги студияда.

МАГНОЛИЯ [*фр.* magnolia – француз ботаниги P. Magnol (П. Манноль) номидан] Иссиқ иқлимда ўсадиган, барглари доим яшил дарахт ёки бута ва унинг йирик гули. *Шаҳримизда.. нодир ўсимликларнинг анчагина турлари мавжуд. Лола дарахти, магнолия каби дарахт ва буталар шулар жумласидандир.* Ў. Пратов, Лола дарахти қани?

МАДАД [*а.* مدد – кўмак, ёрдам; қўллаб-қувватлаш] Далда бўлувчи моддий ёки маънавий ёрдам. *Мадад бермоқ. «Ҳа» деган – туяга мадад.* Мақол. ▬ *Жуманнинг шу ерда ўтириши унга [Адолатга] жуда катта мадад.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ғуломжоннинг тўкилиб турган юрагига қиз илтифоти мадад берди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мадад сўраганда – чорасиз жаҳон, Сиз Тошкент бағридан узатгансиз қўл.* А. Орипов.

МАДАДКОР Мадад қилувчи, мадад берувчи; ёрдам, кўмак кўрсатувчи. *Сел аёвсиз савалаб турганида, мададкорлар оғир йўл босиб, тонгда Чустга етиб келдилар.* С. Кароматов, Камолот йўллари.

МАДАНГ [*ф.* مدنگ – катта ёғоч калит; зулфин] *эск.* **1** Эшик зулфинига тиқиб қўйиладиган катта ёғоч; ёғоч калит (тут, қайрағоч каби қаттиқ ёғочлардан қилинади). *Тол ёғоч маданг бўлмас, бегона даданг бўлмас.* Мақол.

2 Қари ток занги. *Ёрлиқларни қаттиқ сим билан ёш занг ва мадангларга боғлаш керак.* Р. Мусамуҳамедов, Мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибаларим.

МАДАНИЙ [*а.* مدنی – шаҳарлик; мадиналик, Мадинага хос] **1** Маданиятга оид, маданият, илм-маърифат билан боғлиқ, маданият соҳасидаги. *Маданий инқилоб. Маданий эҳтиёжлар. Маданий мерос.* ▬ *Корхонада ёшлар ўртасида маданий тадбирлар кўплаб ўтказилади.* Газетадан.

2 Маданиятли, маданиятни эгаллаган; маданиятга эришган, маданият талабларига жавоб берадиган. *Маданий одам. Маданий оила. Маданий қишлоқ. Маданий ҳаёт.* ▬ *Кўпчилиги уларга ёқди.. хушмуомала, маданий одамлар экан.* «Таниш башаралар». *Музей, театрларга қатнайман тез-тез.. Маданий бўлсин-да бу уч зумрашанг!* А. Мухтор.

3 *қ. ҳ.* Киши қўли, меҳнати билан экиладиган, етиштириладиган. *Маданий экинлар. Маданий ландшафт.* ▬ *Маданий ўсимликлар етиштириладиган тупроқ.. тоғ жинсларидан ўзининг унумдорлиги билан фарқ қилади.* «Фан ва турмуш». *Бизнинг мўътадил иқлимимизда асаларилар ёввойи ва маданий ҳолда кўплаб учрайди.* М. Тўйчиев, Асаларичилик.

МАДАНИЙЛАШМОҚ Маданият касб этмоқ, маданиятли бўла бормоқ.

МАДАНИЙ-МАИШИЙ Турмуш маданиятига оид. *Маданий-маиший хизмат.*

МАДАНИЯТ [*а.* مدنيّت – цивилизация] **1** Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи. *Бугунги Тошкент – йирик саноат, фан ва маданият марказларидан бири.* «Саодат». *Алифбо – инсон ҳаётининг, инсон камолининг энг буюк ижодиёти; жаҳон маданияти, бутун илм, ўлмас бадиий, фалсафий, ахлоқий.. бойликлар шу ҳарфларга асосланган.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси. *Мусиқа маданияти. Нутқ маданияти.* ▬ *Ҳар икки йилда ўтказилаётган бу кинофорум унда қатнашаётган мамлакатлар кино маданиятида катта воқеа бўлаётир.* Газетадан. *Ислом маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган муҳтарам зотларнинг номлари бутун оламга машҳур.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат. *Маданиятдан орқада қолмоқ. Маданиятга эришмоқ.* ▬ *Одамларнинг хулқ-атвори, маданияти ана шу бойликларга, хусусан, нонга бўлган муносабати билан ўлчанади.* Газетадан. *Тарбиячи сўз билан таъсир қилиш маданиятини эгаллаши зарур.* «Фан ва турмуш».

4 Маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит. *Депутатнинг халқ фаровонлигини ошириш, турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги ишларидан меҳнаткашлар мамнун.* Газетадан.

5 *қ.х.* (Ўсимлик ёки экиннинг турларини) етказиш, ўстириш, етиштириш. *Хусусан, деҳқончилик маданияти бобида илгарилаб кетди улар.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти.

МАДАНИЯТЛИ Маданиятга эришган, маданиятни эгаллаган; маърифатли. *Маданиятли одам. Маданиятли оила.*

МАДАНИЯТСИЗ Маданияти йўқ, маданиятдан орқада қолган; маърифатсиз.

МАДДА [*а.* مدّه – йиринг] **1** *айн.* **йиринг.** *Мулла Маҳмуд эзилган жойлари мадда олиб, маддадан бутун борлиғига иситма тарқаб ётаркан.. бўлаётган воқеалар худди тушида бўлаётгандек туюлаётганди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 *кўчма.* Юракдаги ғубор.

МАДДАЛАМОҚ *айн.* **йирингламоқ.** *Ҳасад – занглаган ханжардирки, жароҳати маддалаб кетади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..ҳафталик изтироби маддалаб, ёриш даражасига етган эмасми, ҳар бир сўзни салмоқлаб деди..* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

МАДДОҲ [*а.* مدّاح – мадҳ қилувчи; худога ҳамду сано айтувчи] **1** *айн.* Бозор ва кўча-куйиларда одам тўплаб, диний мазмунда ваъз, панд-насиҳат айтиб тирикчилик қилувчи шахс. *..маддоҳ, одамлар оралаб.. ваъз айтиб юрибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма салб.* Мақтовчи, мадҳ қилувчи; хушомадгўй. *Совуқ уруш маддоҳлари.* ▬ *Душман фирибин кўп ема ва маддоҳ хушомадин чин дема.* Навоий.

МАДОР I [*а.* مدار – айлана маркази; ўқ, асос; соҳа; тропик] Кишининг куч-қуввати; мажол. *Очлик ва ҳорғинликдан [Бектемирнинг] ҳатто сўзлашга ҳам мадори йўқ эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

МАДОР II [*а.* مدار] *эск. айн.* **тропик 1.** *Саратон мадори. Жадд мадори.*

МАДОРСИЗ Мадори йўқ, қувватсиз, кучсиз, бемажол. *Баъзилари сўзлашга ҳам мадорсиз каби, жимгина мударди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАДОРСИЗЛАНМОҚ Мадорсиз бўлиб қолмоқ, мадори қуриб, ҳаракатга кучи етмай қолмоқ. *Мадорсизланиб, йиғи аралаш сўзлади Гулнор.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАДРАСА [*а.* مدرسه – мактаб, ўқув юрти; фандаги йўналиш, мактаб] **1** *тар.* Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек, чор Россиясининг кўпчилик мусулмонлар яшайдиган ҳудудларида диний олий ўқув юрти. *Нодира Анварни ўқитмоқчи, ҳатто мадрасаларга юбормоқчи.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги диний мактаб.

МАДҲ [*а.* مدح – мақтов; ҳамд-сано] *кт. айн.* **мадҳия 1.** *Тилимда мадҳу дилимда муҳаббату меҳринг.* Ҳабибий. *Бобо savat кўтариб, боғига кириб кетиши билан, хотинлар бўлғуси келиннинг мадҳини бошладилар.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

Мадҳ қилмоқ (ёки **этмоқ**) Мадҳини, мақтовини қилмоқ. *Тонглар отар булоқларнинг Навоси билан, Гул, ғунчалар мадҳин қилган Садоси билан.* Ғайратий. *Ҳар қандай меҳнат қатори шеър ёзиш ҳам савоб, айниқ-*

са, шеър инсонни улуғласа, унинг ҳаётини мадҳ этса. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. **Мадҳини ўқимоқ (***ёки* **куйламоқ)** Мадҳини ўқиш ёки куй (куйлаш) билан баён қилмоқ. *Ҳабибий, мадҳинг ўқиб, умр этай адо, чаманим.* Ҳабибий. *Гулшан ўлка мадҳини Биргалашиб куйлайлик.* Ғайратий.

МАДҲГЎЙ [*а.* مدحگوی – мадҳ айтувчи] *айн.* **мадҳиячи.** *У [Жомий] ўз замонасидаги кўпчилиги мадҳгўй лаганбардорлардан иборат шоирларни ёқтирмайди.* Газетадан.

МАДҲИЯ [*а.* مدحيّه – мақтов қўшиғи; қасида] *кт.* **1** Бирор шахс, нарса, воқеани мақтаб ёзилган, ўқилган шеър ёки нутқ; мадҳ, мақтов. *[Комил Нурматга:] Ғалабага марсия эмас, мадҳия муносиб.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Кунларни китоб сотиш, бўш вақтларни ўзи таниган ва танимаган масъул ходимларга шеърий мадҳиялар ёзиш ва бу мадҳияларни учраган одамга ўқиб бериш билан ўтказа бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шон-шуҳрат орзусида ёнган телба ҳоким эса бу мадҳиялардан бадтар шишарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 Тантанали қўшиқ; давлат ёки сиёсий синф бирлигининг аломати бўлган тантанали шеърий-мусиқий асар.

3 Мадҳия (хотин-қизлар исми).

МАДҲИЯЧИ Мадҳия айтувчи, мақтовчи.

МАЁВКА [*р.* маёвка – май ойи номидан; май ойига алоқадор] **1** Чор Россиясида ишчиларнинг 1 Май куни муносабати билан ўтказиладиган махфий йиғилиши.

2 *эск.* Шўролар даврида: баҳорги дала сайили. *Раис правление номидан, Султонпошша ёшлар ташкилоти номидан мана бу кўприкни қурган ёшларни маёвкага таклиф қилиб келишган экан.* А. Мухтор, Туғилиш. *Маёвка Оқтошга яқин бир боғда ўтказилди.* «Муштум».

МАЁҚ [*р.* маяк] **1** Кемаларга йўл кўрсатиш учун денгиз қирғоғи ёки оролларга қурилган ва сигнал воситалари билан жиҳозланган минора кўринишидаги навигация қурилмаси. *Кема учун маёқ, сайёҳ учун компас, Ер учун Қуёш азиз бўлгани каби..* Газетадан.

2 *кўчма* Йўл кўрсатиб турадиган, ўрнак, намуна, ибрат бўладиган нарса; машъал. *Кенг, бепоён Шарққа маёқ Гул-гул ёнган Ўзбекистон.* Х. Расул.

МАЖАҚ: мажақ бўлмоқ *ёки* **мажағи чиқмоқ** Ортиқ даражада эзилиб, пачағи чиқмоқ, абжағи чиқмоқ, мажақланмоқ. **Мажақ қилмоқ** *ёки* **мажағини чиқармоқ** *айн.* **мажақламоқ.**

МАЖАҚЛАМОҚ Ортиқ даражада эзиб янчмоқ, пачақламоқ, абжақ қилмоқ, абжағини чиқармоқ. *Танк бу ердан омон ўтса, албатта, тўпни мажақлаб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Отларнинг туёқлари Мажақлади гулларни.* Х. Даврон.

МАЖБУР [*а.* مجبور – қилиниши шарт бўлган; ноилож] Ўз хоҳиш-ихтиёридан ташқари, кимнингдир амри, зўри билан ёки бирор нарсанинг тақозоси туфайли қандайдир бир ишни қилиши шарт ҳолатли. *Тенгдошлари ичида энг пешқадам ҳисобланган Шерали ҳам геология тарихига оид масалаларда у билан ҳисоблашиб, эҳтиётроқ бўлиб гапиришга мажбур эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

Мажбур қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Мажбурламоқ. *Агар уни эрга чиқишга мажбур қилаётган бўлса-чи!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

МАЖБУРАН *рвш.* Мажбур бўлиб ёки мажбур қилиб; мажбурият орқасида. *Араббой кўпчилик кулгисидан бир оз изза тортди. Лекин у баъзи бировлардай умум кулгисига мажбуран таслим бўлиб илжаймади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Фараз қилайлик, мен сени мажбуран куёвга бердим, – деди Салимхон.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАЖБУРИЙ Хоҳ ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз бажарилиши, амалга оширилиши шарт бўлган. *Мажбурий таълим. Мажбурий хизмат.* ▬ *Тушлик ўтиб, икки соатлик мажбурий ҳордиқ тамом бўлгандан кейин касалхона гавжум бўлиб кетади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

МАЖБУРИЯТ [*а.* مجبوريّت – мажбурлик; ноиложлик; бурч] **1** Ғайриихтиёрий вазифа, бурч ёки бирор мажбурий иш, ҳолат, эҳтиёж. *Тошкент жўнаш учун ўзида мажбурият ҳис этар.. бошқа чора йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Халойиқ ҳам секин-аста тарқалди – ҳоким келмаган, офтобда сарғайишнинг мажбурияти қолмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Меҳнат аҳлларининг бирор ишни бажариш учун берган қатъий ваъдаси. *Звено бўйича мажбурият ҳар гектаридан ўн бир*

центнер эди, ҳозир ўн тўрт бердик. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Икки бригада мусобақалашиб, юқори мажбуриятлар олган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МАЖБУРЛАМОҚ Мажбурий тарзда, зўрлаб йўлламоқ, зўрламоқ. *Аниқроғи, уларнинг реал эҳтиёжи борми, йўқми, бари бир, мажбурлаб тиқиштирардилар.* «Муштум».

МАЖЛИС [*а.* مجلس — ўтириш жойи; йиғилиш; уюшма, кенгаш] **1** Ташкилот, корхона ёки идора аъзоларининг бирор масала муҳокамасига бағишланган йиғилиши ва унинг иштирокчилари. *Очиқ мажлис. Ёпиқ мажлис. Партия мажлиси. Мажлис ўтказмоқ. Мажлис қилмоқ.* ▬ *Бу масалани.. ота-оналар мажлисида муҳокама қилиш керак.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *эск.* Тўй, зиёфат ёки бошқа муносабат билан уюштирилган ўтириш ва шу ўтириш қатнашчилари. *Мажлис Зиё шоҳичининг уйида Отабекнинг меҳмондорчилиги учун йиғилган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юсуфбек ҳожи кўтарилиб, Қамбар шарбатдорга қаради ва мажлисни ер остидан кузатиб чиқиб, яна жим қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қиз(лар) мажлиси Келиннинг тўй муносабати билан ўз ўртоқларига берадиган зиёфати. *Уйда, Кумушбибининг тоғасининг уйида, қизлар мажлиси, гуллар мажлиси.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Баъзи шарқ давлатларида (*мас.,* Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон ва Эронда) қонун чиқарувчи орган (парламент); ҳукумат ҳайъати.

МАЖЛИСБОЗ Мажлис ўтказишни яхши кўрадиган, мажлисбозликка берилган одам.

МАЖЛИСБОЗЛИК Бўлар-бўлмасга мажлис қилавериш.

МАЖЛИСГОҲ *эск. кт.* Мажлис ўтказиладиган ёки мажлис бўлаётган жой.

МАЖМАҒИЛ [*а.* مضمحل — йўқолиб кетган, яшамай қўйган] **1** Ўсиши, ривожи орқада қолган, яхши ўсмаган; нимжон. *Мажмағил ўсимлик. Мажмағил бола.* ▬ *Лекин ёғингарчиликдан сўнг қатқалоқ босиши натижасида ёш ниҳоллар мажмағил бўлиб ётибди.* Газетадан.

2 *кўчма с.т.* Муҳмал, ланж, дудмол, ноаниқ. *Мажмағил жавоб.* ▬ *Мен бу мажмағил билан ишлаша олмайман.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

МАЖМУ [*а.* مجموع — тўпланган, йиғинди] *кт.* Йиғинди, жами. *Ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуи.*

МАЖМУА [*а.* مجموعه — тўплам; тўплаш; бир бутун нарса; туркум] **1** Маълум тартибда тўпланган матнлар, маълумот ва ш. к. йиғиндиси; тўплам. *Қонунлар мажмуаси.* ▬ *У жиноят қонунлари мажмуасининг ҳамма моддалари билан айбланади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *эск.* Тўплам шаклида чиқариладиган нашр. *Шоирнинг [Огаҳийнинг] юбилейи муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти унинг олти жилдли асарлари мажмуасини нашр этишга киришди.* Газетадан.

МАЖНУН [*а.* مجنون — жинни, девона] Ишқ, муҳаббат йўлида девона бўлган кимса; савдойи. *Бу девона шаҳарнинг катта-кичигидан ўзига ихлосмандлар орттирган бир мажнун эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЖНУНТОЛ *бот.* Толдошлар оиласига мансуб, новдалари ерга эгилиб ўсадиган дарахт. *Улар кокиллари сув ўпиб турган мажнунтоллар тагидаги ариқда юз-қўл ювишаркан, Қулаҳматни аскияга олишарди..* «Гулдаста».

МАЖОЗ [*а.* مجاز — ўтиш жойи; бошқача айтиш, номлаш; тасвирий ифода] *ад.* Сўз ёки иборанинг ўз маъносидан бошқа, кўчма маънода ишлатилиши ва шундай маънода ишлатилган сўз, ибора; метафора; аллегория. *Демак, луғавий маъносига кўра метафора Шарқда қўлланган мажоз — кўчим иборасига мос келади.* «ЎТА».

МАЖОЗИЙ Мажозга оид, мажозли, кўчма, метафорик. *«Қалам» сўзи ёзма адабиётда кўпинча мажозий маъноларда ҳам қўлланган.* «ЎТА». *Юзлаб, минглаб мақолларимизнинг тўғри ва мажозий маъноси ҳамон жумбоқлигича қолмоқда.* Ш. Шораҳмедов, Халқ мақоллари.

МАЖОЛ [*а.* مجال — жой, фазо; муҳит; имконият] *с.т. айн.* **мадор 1.** *Ўрмонжон кечга яқин шу қадар чарчадики, отлиқ юришга ҳам мажоли қолмай, уйига қайтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МАЖОЛИС [*а.* مجالس — «мажлис» с. кўпл.] *кт.* Мажлис; мажлислар. *«Мажолис-ун-нафоис»* (Алишер Навоий тазкирасининг номи).

МАЖОЛСИЗ Мажоли йўқ, мадорсиз, беҳол. *У мажолсиз оёқлари билан базўр юриб,*

эшикнинг занжирини туширди. Ойбек, Танланган асарлар.

МАЖОЛСИЗЛАНМОҚ Бемажол бўлмоқ, тинка-мадори қуриб, ҳолдан тоймоқ. *Кўзи тиниб.. оёғи қалтираб, мажолсизланди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

МАЖОР *эск.* Венгер; венгерлар.

МАЖРУҲ [*а.* مجروح – яраланган, жароҳатланган] **1** Ярадор, жароҳатли. *Фронтдан қайтаётганлар ичида тўрт мучаси бут, норғул йигитлар бўлганидек, майиб, мажруҳлар ҳам бор эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ногирон, майиб. *Мажруҳ гўдаклар арақхўр, гиёҳвандларга энг зўр айбномадир!* Газетадан.

МАЖРУҲЛАНМОҚ *кам. қўлл.* Мажруҳ бўлмоқ, жароҳат олмоқ; шикаст топиб, майиб, ногирон бўлиб қолмоқ. *Ичкилик заҳри билан нозик юрак топгай зарар, Ошқозон мажруҳланиб, ишдан чиқар соғлом жигар.* Ж. Абдулла.

МАЖУС [*а.* مجوس – оташпараст] Оташпараст, ўтга топинувчи.

МАЖУСИЙ [*а.* مجوس – оташпараст] Оташпарастлик динига мансуб киши; оташпараст. *Беруний ота-боболари мажусий бўлган бу ҳукмдорларнинг ислом ҳомийси бўлиб қолганига таажжубланарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МАЖҲУЛ [*а.* مجهول – номаълум, ноаниқ] *эск.* **1** *кт.* Номаълум, ноаниқ. *Йўлакдаги мажҳул кимса ўзини майдон ичига олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *мат.* Номаълум. *Мажҳул сон.*

Мажҳул феъл (*ёки* **нисбат**) *тлш.* Ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум эканини билдирувчи нисбат шакли. Мас., *Бу ҳақда кўп гапирилди* гапида *гапирилди* сўзи феълнинг мажҳул нисбат шакли ҳисобланади.

МАЗА [*а.* مزّه – шўр, нордон газак] **1** Нарсаларнинг таъм-лаззат билиш аъзоларига таъсир этиб, сезги уйғотиш хусусияти; таъм, лаззат. *Нордон маза. Олманинг мазаси. Мазасини тотиб кўрмоқ. Ўзи ширин, тўқлигина, мазаси ҳам тотлигина* (топишмоқ: *шафтоли*).

2 Қаноат ҳисси, руҳий завқ, лаззат, роҳат. *Мунчалик мазани топа олмайди Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.* Ғ. Ғулом.

3 *сфт.* Мазали, ширин. *Жаркоп, шавла, кичири – Бири-биридан маза. Холам қўли гул тоза.* Қ. Муҳаммадий.

4 *унд. с.* Қониқиш, роҳат ҳиссини билдиради. *-Эҳ, маза, маза! – деб Попук севинчидан қуёндай диканг-диканг сакради.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Ҳалиги иржайган одамнинг кўнгли чопдими, сўлакайини оқизди: -Маз-за!* «Муштум».

Маза қилмоқ Роҳатланмоқ. *Сиз салқинда, ғириллаган шабадада кўк чой ичиб, маза қилиб ўтирибсиз!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Мазаси йўқ** 1) таъми дуруст эмас, бемаза. *Овқатнинг мазаси йўқ;* 2) кўнгилдагидек эмас, қониқарсиз. *Бугун бўлса, овнинг ҳам мазаси йўқ..* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ишининг мазаси йўқ, унинг ўз фикрича, эплолмаётган экан.* А. Мухтор, Чинор. *Саводининг мазаси йўқ.* С. Аҳмад, Ҳукм; 3) ярамас, бемаза (шахс ҳақида). *Жуда мазаси йўқ одам;* 4) соғлиғи дуруст эмас. *Бугун ишга боролмабди, анча мазаси йўқ.* **Мазаси қочмоқ** Ёмон томонга ўзгармоқ (иш, ҳолат, соғлиқ ва ш.к. ҳақида). *Далада ишнинг мазаси қочди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шу кунларда мани мазам қочиб қолганини қаранг-а!* С. Нуров, Карвон. *Ейиш-ичишининг мазаси қочган бу йўловчиларга.. унча илтифот кўрсатишмади.* «Ёшлик». **Мазасига тушунмоқ** Бирор нарсага ўрганиб, унинг кетидан қувмоқ, одат қилмоқ. *Сан юборган пулнинг мазасига тушундими, бўлди, ҳафтада, ойда пул сўрайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Мазасини олмоқ** *ёки* **мазасини қочирмоқ** Гап-сўз, хатти-ҳаракат билан кишини мулзам, хижолат қилмоқ, ноқулай аҳволга солмоқ. *Исамат отанинг бу гапи ҳам, чойхўрларнинг маъқулловчи кулгилари ҳам мулла Бердиёрнинг мазасини олди.* «Муштум».

МАЗА-БЕМАЗА Бўлар-бўлмас, бемаъни, бўлмағур (иш, гап-сўз ҳақида). *Зумрад опа маза-бемаза гапларга қулоқ солмас.. рўзғор ишларидан бўшолмасди.* С. Нуров, Кутилмаган хазина.

МАЗАЛИ Таъми яхши, ширин; тотли, лаззатли. *Мазали шўрва.* ▬ *Мазали овқат, ичкилик илинжидами, ресторанга кирган одамнинг кайфияти чоғлашади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МАЗА-МАТРА (асосан, инкор билдирувчи «йўқ» с. билан) **1** Маза, маза деган нарса. *Лекин уларда тайёрланаётган таомларда маза-матра йўқ.* Газетадан.

2 *кўчма* Маъно; мантиқ, тайин. *..шу замонда гап-сўз қайнаб кетган, лекин боровининг ҳам маъноси йўқ, бирида ҳам маза-мат-*

ра йўқ. Ойбек, Танланган асарлар. *..савдомиз, ўзингизга маълум, маза-матраси қолмади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

МАЗАММАТ [*а.* مذمّت – ёмонлик, тубанлик; ярамас хатти-ҳаракат] *эск. кт.* Бировни ҳақ-ноҳақ ёмонлаб айтилган гап, маломат, таъна.

Мазаммат қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Таъна, маломат қилмоқ. *Жинни одамни хон дорга тортибди, деб халқи олам мазаммат этурлар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАЗАСИЗ Таъми ёмон, мазаси йўқ; лаззатсиз, бемаза.

МАЗАХ [*а.* مزاح – ҳазил; эрмак] Масхара, кулги; истеҳзо. *Мазах – ёмонликнинг муқаддимаси.* «Қобуснома». *Тожибой.. ён-верида зимдан мазах билан жилмайиб турган одамларга қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Мазах қилмоқ *айн.* **мазахламоқ.** *Талъат унинг гапларига мазах қилгандай, индамай қулоқ солиб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МАЗАХЛАМОҚ Мазах, масхара қилмоқ, бировнинг устидан кулмоқ. *Боядан бери индамай ўтирган эшон бошини кўтарди ва бировни ичдан мазахлаётгандай, секингина кулди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАЗАХОМУЗ [*а.* + *ф.* مزاح‌آمیز – ҳазил, мазахга ўхшаш] Мазах аралаш, мазах билан; истеҳзоли. *Эшон лабларини бир томонга мазахомуз буриштириб кулумсиради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАЗАХЧИ *кам. қўлл.* Бировни мазах қилувчи, мазах қилишни яхши кўрадиган. *Мазахчи одам.*

МАЗАХЎРАК [*а.* + *ф.* مزّه‌خوراک – маза қилиб еювчи] Бирор нарсанинг мазасига тушуниб қолиб, унга берилган, ўрганиб қолган. *Ёпирилдилар яна мазахўраклар Осмондан ёғилган чигиртка қадар.* «Муштум».

Мазахўрак бўлмоқ *ёки* **мазахўракка ўрганмоқ** Мазасига тушуниб, ўрганиб қолмоқ; одат қилмоқ, берилмоқ. *Қатновчилар.. Маҳмуд аканинг мантисига мазахўрак бўлиб қолган эдилар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Ҳар йили қурт тута бериб, мазахўракка ўрганиб қолган Ойбека, Қумри қақилдоқ.. дарров қўл кўтаришди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

МАЗГИЛ *с.т.* Манзил. *Қанча оғир довонлар ошиб, Мазгилига етган йўлчидай, Енгил нафас олди Отахон.* С. Акбарий.

МАЗДАКИЙЛИК [шу таълимот асосчиси Маздак ибн Ҳамдодон номидан] *дин.* 5–6-асрларда Эронда оқсуякларга ва руҳонийларга қарши бош кўтарган халқ ҳаракати; бу ҳаракат тарафдорлари ижтимоий зулмга қарши курашни муқаддас вазифа деб билиб, унга диний тус берганлар ва мулкий тенгсизликни йўқотишга, моддий бойликларни одамларга тенг тақсимлашга даъват қилганлар.

МАЗДУР [*ф.* مزدور – ёлланма ишчи; ёлланган] *эск. кт.* Ёлланиб иш қилувчи киши; батрак. *-Кошкийди.. замон ўзгарса-ю, маздурлар сийнасига шамол тегса, – деди ишчи.* Ойбек, Нур қидириб.

МАЗИЯТ [*а.* مزيّت – афзаллик, имтиёз; хосса, хусусият] *эск. кт.* Ортиқлик, афзаллик. *Қизини ер-кўкка ишонмаган.. унинг бутун нуқсонларини бир мазият билган онаси – Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ қўпориб, шу кенжа арзандасига сарф қилиш учун уринар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЗКУР [*а.* مذكور – эслатиб ўтилган, зикр этилган] Зикр этилган, эслаб ўтилган, айтиб ўтилган. *Мазкур шахс. Мазкур воқеа.* ▬ *Тилининг бойлиги ва услубининг равонлиги.. мазкур тадқиқотни салмоқли қилади ҳамда илмий-амалий қимматини оширади.* «ЎТА».

МАЗЛУМ [*а.* مظلوم – жабрланган, зулм кўрган] Зулм остида қолган, эзилган. *Мазлум халқлар.*

МАЗЛУМА **1** Мазлум аёл.

2 Мазлума (хотин-қизлар исми).

МАЗМУН [*а.* مضمون – мундарижа; маъно] **1** Ақл, фикрлаш билан тушуниладиган, мантиқий мундарижа; бошқа белги билан ифодаланган ички мундарижа. *Китобнинг мазмуни. Хатнинг мазмуни.* ▬ *Қайин отанг менга бир хат ёзибдир, ўқиб-ўқиб, мазмунига тушунолмай ҳайрон бўламан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к. ни белгиловчи асос, моҳият. *Бошқа барча тинчликсевар халқлар сингари, тинчлик ва ижодий меҳнат хитойликларнинг ҳам ҳаёт мазмуни, ижод манбаидир.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда. *..кишиларимиз қилаётган ишлар ва кўзлаётган режалар матбуотимизнинг асосий мазмунини ташкил этади.* Газетадан. *Бу ишларни шунчаки давом эттирибгина қол-*

май, уни янги мазмун билан бойитамиз.. «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *флс.* Бирор ҳодисанинг моҳиятини белгиловчи, нарсаларни айнан шу нарса сифатида ифодаловчи муҳим элемент ва ўзгаришларнинг йиғиндиси, асоси. *Шакл ва мазмун бирлиги.*

МАЗМУНАН 1 Мазмунига кўра, мазмун нуқтаи назаридан, мазмун жиҳатидан. *Ҳикоятда, аввало, шаклан мўъжазлик ва мазмунан соддалик кўзга ташланса..* «ЎТА».

2 *айн.* **мазмуни.** *[Тожибой Холисхонга:] Акангиз бир-икки марта бир ой-ярим ой йўқ бўлиб, мазмунан, ахтарди шекилли, тополмай келди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Шеърий битик ёзилган мармартош олдида.. уч-тўрт уста куймаланар, мазмунан, битикни қай йўсинда қириб бошлашни маслаҳат қилишарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАЗМУНДОР Мазмунли, мазмуни яхши; сермазмун. *Мазмундор суҳбат.* ▬ *Миртемир шеъриятининг тили жозибали, бой ва мазмундор..* «ЎТА». *Ҳаётимиз бениҳоя мазмундор ва гўзалдир.* Газетадан.

МАЗМУНИ *крш. с.* Маълум бўлишича; афтидан, чамаси. *Мазмуни, район раҳбарлари ўзлари чиқарган қарорни бошларига бо-лиш қилишиб, бемалол ухлаётганга ўхшайдилар.* «Муштум». *..мазмуни, иккови илгаридан дон олишиб юрган экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЗМУНЛИ *айн.* **мазмундор.** *Ўқитувчи ҳам дарсни мароқли ва мазмунли ўтиши учун барча имкониятлардан фойдаланиши керак.* Газетадан.

МАЗУТ [*р.* мазут — «мазать» фл. дан: суркалган нарса; ифлос доғ] Нефтни қайта ишлаб, бензин, газолин ва керосин олингандан кейин қолган қуюқ масса, қорамой. *Қора мазут ёқилиб пиширилган макарон шўрвани ҳам маза қилиб ичишган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

МАЗҲАБ [*а.* مذهب — йўл, ҳаракат тарзи; диний таълимот, диннинг бирор тармоғи] **1** *дин.* Исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари; умуман, анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмагани ҳолда, шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқланувчи йўналишлар, оқимлар. *Исломнинг шиа мазҳаби.* ▬ *-Илгари билиш керак.— деди Хатиб домла. — Сиз имоми Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабларидамисиз? Ёки имоми Молик?* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *кўчма* Расм, одат; йўл. *Ишқ мазҳабида куфр эрур жаҳл ила тақво.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 *кўчма сиёс.* Ўз қарашлари ва ақидалари билан бошқалардан ажралиб қолган гуруҳ.

МАЗҲАБЧИ *дин.* Бирор мазҳабга мансуб бўлган ва шу мазҳабга амал қилувчи шахс.

МАЗҲАБЧИЛИК *дин.* Бир мазҳаб тарафдорларининг иккинчи мазҳаб тарафдорларига қарши хатти-ҳаракати; мазҳаб ажратиш.

МАИШАТ [*а.* معيشت — ҳаёт, турмуш; яшаш воситалари; таъминот] **1** Кундалик тирикчилик, яшаш. *[Бой:] Мендан қолган давлат сизларнинг маишатингиз учун кифоя қилмайди.* «Эртаклар». *Отам ўлиб, маишатим тангликда қолди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 *с. т.* Кайф-сафо, айш-ишрат. *Ҳожихонни айш-ишратлар, шоҳона маишатлар чарчатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳалол меҳнат билан қилган маишат нораво бўлмас.* Ҳабибий.

МАИШАТБОЗ Маишатга, айш-ишратга берилган, доим маишат билан машғул одам. *..теракзорда талтайиб ётган маишатбозларни кўриш унга оғир эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

МАИШАТБОЗЛИК Маишат қилиш, айш-ишрат. *Ишчилар кооперативига жойлашиб олган Норқулов ва Ҳайдаровлар доим маишатбозлик билан шуғулланганлар.* Газетадан.

МАИШАТГОҲ Маишат қилинадиган жой; ишратгоҳ. *Ҳар йил ёзда пристав билан бўлиснинг бу ердан извошда тоғдаги махсус маишатгоҳларига, қимизхўрликка ўтишлари тўғрисида чопар келар.. эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАИШАТПАРАСТ Маишатга берилган, маишатни яхши кўрадиган одам. *Бу бойнинг икки ўғли бўлиб, каттаси маишатпараст экан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

МАИШАТПАРАСТЛИК Маишатга берилиш, доим маишатда бўлишлик, маишатни яхши кўриш. *Кайф-сафо, маишатпарастлик аждаҳо каби ўз комига тортади.* Р. Усмонов, Одобнома.

МАИШАТХОНА Маишат қилинадиган жой, хона. *Райкомнинг маишатхонасида тонготар базм қилиб ўтирдинг — индамадим..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

МАИШИЙ [*а.* معیشی – ҳаётий, ҳаёт, турмушга оид] Маишатга, тирикчиликка оид. *Маиший хизмат. Маиший шароит.* ▬ *Чунки «оила» тушунчаси маиший ҳаётнинг барча қирраларини тўла қамраб ололмайди.* «ЎТА».

МАЙ I [*лот.* maius < юнон ва рим мифологиясидаги ер маъбудаси Майя (Майеста) номидан] Янгича йил ҳисобида бешинчи ой номи.

МАЙ II [*ф.* می – бода, шароб] Узумдан тайёрланган ичкилик; мусаллас, вино. *Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман кўриб келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жондорбой ҳовлиқиб, шкаф ичидан коньяк олар экан, унинг меҳмонлари кириб келишди. Кўришмасдан илгари, Жондор уларнинг ҳаммасига кичик стаканларда май қуйиб тутди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЙГУН [*ф.* میگون – май рангли] *поэт.* Май рангидаги; қизил. *Ўйласам майгун лабингни, фикри маст қилар мени.* Ҳабибий.

МАЙДА [*ф.* میده – олий нав ун] **1** Бир турдаги кичик бўлаклардан иборат бўлган, йирик эмас. *Майда тош. Майда қор. Майда қум.* ▬ *Ташландиқ тегирмоннинг чирик новидан сув майда кумуш томчиларни сачратиб, гувуллаб отилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қора қошлари чимирилди, садафдай майда тишлари билан устки лабини чайнади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Унчалик катта бўлмаган; кичик. *Майда жониворлар. Майда болалар.* ▬ *Тракторлар гуруллаб-вариллаб.. майда дарахтларни тагтомири билан қўпориб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Мавқеи, ижтимоий, иқтисодий аҳамияти жиҳатдан катта ўрин тутмайдиган. *Майда буржуазия. Майда савдогар.* ▬ *Бунақанги майда, хашаки бойларнинг пули ҳам майда.. бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Миқдор, сон жиҳатдан кам бўлган; бир неча нарса ёки кишидан иборат бўлган; кичик. *Майда отрядлар. Майда миллатлар.*

5 *кўчма* Аҳамиятсиз, қиймат жиҳатидан арзимас. *Майда гаплар. Майда ишлар.* ▬ *Орада бирмунча майда сўзлар сўзлангач, кимнингдир «уф» деб юборгани эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Танга-чақа ва умуман йирик бўлмаган; кичик пул. *Майда пул. Беш сўмга майдангиз йўқми?*

Майда қадам Ораси унча катта бўлмаган, лекин тез-тез ташланган қадам. *Анна Ивановна.. ёш қизлардек майда қадам билан дикиллаб келарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

МАЙДАГАП Арзимас, бачкана гапларни гапириб, гапни чувалаштириб юрадиган. *Хотин билан баҳслашиб, майдагап бўлган одам доим ютқизади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МАЙДАЛАМОҚ 1 Кичик-кичик бўлакларга бўлмоқ, майда қилмоқ, ушатмоқ. *Ўтин майдаламоқ. Қанд майдаламоқ.* ▬ *Шербек бошини кўтармай, стол устидаги газета четини йиртиб, майдалаб ўтирарди.* С Анорбоев, Оқсой.

2 Йирик пулни майда пулга алиштирмоқ, ушатмоқ. *Юз сўмни майдаламоқ.*

3 *с. т.* Ичимлик ёки ичкиликни оз-оздан қуймоқ, оз-оздан қуйиб ичмоқ. *Эр-хотин чойни майдалаб, шу бир-икки йил ичида бўлиб ўтган воқеаларни гаплашиб ўтиришди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Майда-майда ёғмоқ. *Ёмғир майдалаб, эзиб ёғяпти.* И. Раҳим, Ихлос.

МАЙДА-ЧУЙДА 1 Турли-туман ва майда. *Майда-чуйда болалар.*

2 Арзимас, аҳамиятсиз. *Майда-чуйда гаплар. Майда-чуйда ишлар. Майда-чуйда нарсалар.* ▬ *Ўз ишингизни дўндириб юра беринг, майда-чуйда нарсаларга аралашманг!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *с. т.* Майда буюмлар, у-бу нарсалар. *Майда-чуйда олмоқ. Майда-чуйдага пул сарф қилмоқ.* ▬ *Эрта билан Ҳасанали аравани қўшиб тайёрлаган, майда-чуйда аравага ташилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЙДОН [*ф.* میدان – очиқ жой, сайҳонлик, дала] **1** Ҳовли-жойга яқин очиқ ер, сайҳон ёки боғча; томорқа. *Майдон икки таноб кенгликда бўлиб, жануби қутидор ва қўшнисининг иморатлари орқасидан ва бошқа уч жиҳати ҳам шунга ўхшаш бинолардан иборат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман, очиқ ер, сайҳон ёки экинзор. *Пахта майдони. Экин майдони.* ▬ *Илғор хўжаликларнинг чигит экилган майдонлари яшил либосга бурканди.* Газетадан.

3 Бирор иш-ҳаракат, тадбир учун мўлжалланган ёки шундай иш-ҳаракат юз берадиган, бажариладиган жой. *Спорт майдони. Машқ майдони. Кураш майдони. Жанг майдони. Мард майдонда билинар.* Мақол. ▬ *Амир енгилди, аскарлари бузилиб, уруш май-*

донидан қочдилар. С. Айний, Қуллар. *Айниқса, улоқ бўлаётган майдонда тумонат одам.* К. Яшин, Ҳамза.

4 *кўчма* Жабҳа, соҳа, доира. *Иш майдони. Мафкура майдони.* ▬ *Мен қирқ йилдан буён адабиёт майдонида қалам тебратиб келяпман.* Ойбек, Халққа хизмат – бахт.

5 *физ.* Бирор физик ҳодиса рўй берадиган ёки унинг таъсири сезиладиган фазо. *Электр майдони. Магнит майдони.*

Майдонга келмоқ Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ, туғилмоқ. **Майдонга ташламоқ** (*ёки* **отмоқ**) Шиор, фикр, мулоҳаза ва ш. к. ни ўртага ташламоқ. **Майдонга чиқмоқ** 1) *айн.* **майдонга келмоқ**; 2) юзага чиқмоқ, амалга ошмоқ; 3) босилиб чиқмоқ, нашр этилмоқ (мақола, китоб ва ш. к. ҳақида). **Ўзи хон кўланкаси майдон** *қ.* **хон. Қиз майдон** *эркл.* Маҳмадона ва шўх қиз ҳақида.

МАЙЗАМОҚ *шв. айн.* **менгзамоқ**. *Одамга майзаб гапиради, одамга майзаб кулади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

МАЙИБ [*а.* معيب – камчилиги, нуқсони бор] **1** Жисмоний шикаст натижасида ногирон бўлиб қолган; мажруҳ. *Ерларда юмалаб ётган болаларнинг чинқириғи.. ярадорлар ва майибларнинг инграши тинмайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Маънавий, руҳий шикаст натижасида эзилган, асаблари бузилган. [*Акбархўжа бойвачча:*] *Етим бўлсаям, қаттиқ дакки еб, руҳий майиб қилинмаган экан-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАЙИБЛАНМОҚ Майиб бўлмоқ, мажруҳ, ногирон бўлиб қолмоқ.

МАЙИБЛИК Бахтсиз ҳодисалар туфайли ёки физик, кимёвий ва биологик омиллар таъсирида шикастланиш натижасида иш қобилиятининг қисқа муддат ёки бир умрга қисман ёки бутунлай йўқолиш ҳолати.

МАЙИЗ Қуритилган узум. *Қора майиз.* ▬ *Болаларнинг қўлларида нон, туршак, майиз солинган халтачалар..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Тут майиз *қ.* **тут 2. Шохида майиз бўлмоқ** Турмуш қилмай умри ўтган, қариган аёлга нисбатан қўлланувчи ибора. *Элликбошининг.. эр олмай, шохида майиз бўлиб қолган қари қизи бор эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *..борди-ю, Латофатхон дегани суви қочиб, шохида майиз бўлган кампирсимон бир хотин бўлса-чи?* А. Қаҳҳор, Асарлар.

МАЙИЗДАЙ, -дек *с. т.* Мулойим, юмшоқ, хушмуомала. *Майиздай одам.*

МАЙИН 1 Ипакдек юмшоқ ва нозик, қўлга мулойим уринадиган. *Майин жун. Майин соч. Майин газмол.* ▬ *Шайбонийхон бўталоқ жунидан тўқилган майин малла жойнамоз четига қайтиб ўтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Ёқимли, мулойим. *Майин шабада. Майин куй.* ▬ *[Дўндиқнинг] Хаёлчан юзларида майин табассум пайдо бўлди.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан. *Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЙИНЛАШМОҚ Майин бўлмоқ, юмшамоқ. *Лой майинлашди.* ▬ *Тўмариснинг овози яна майинлашди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

МАЙИШМОҚ 1 Букилмоқ, эгилмоқ (асосан қомат ёки оёқ-қўл ҳақида). *Амакиси унинг елкасидан маҳкам тутди. Фотима елкасига тош тушгандай майишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чап қўлим билан зинапоя қанотига суянган эдим, белим майишиб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Қийшаймоқ. *Шафтоли майишиб, бутун танаси билан токнинг сўрисига ёнбошлаган.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Оёғида ипсиз, орқаси майишган ботинка.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *кўчма* Тарафини олмоқ; қўллаб-қувватламоқ. *Чол бефарзанд бўлгани учун, уста уни ғариб бир одам деб майишар, чол ҳам устани ҳурмат қилар эди.* О. Ёқубов, Ларза.

МАЙ(Й)ИТ [*а.* ميّت – ўлик, ўлган] *кт.* Ўлик, жасад, мурда. *Майитни дафн этмоқ.* ▬ *Олло бировни арз сўрғувчи, бировни маййит ювғучи қилиб яратмиш.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАЙКА [*р.* майка – «май» сўзидан: енгил кийим] Енгсиз ич кийим. *Майкам шиппа баданимга ёпишди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Раҳимнинг сепкил бетлари, дукки пешонаси терлаб, қизил майкаси шимидан чиқиб кетган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

МАЙКАЧАН Фақат майканинг ўзида. *Аёл кишининг қаршисида майкачан.. турганини учун хижолат бўлиб.. терлаб кетган пешонасини артиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МАЙЛ [*а.* ميل – қиялик; мойиллик; интилиш] **1** Кишининг нарса ёки ишга, би-

рор эҳтиёжини қондиришга бўлган иштиёқи, қизиқиши, интилиши, ҳаваси; мойиллик. *Унинг мусиқага майли зўр.* ▬ *Маҳфузада чеварликка бўлган майл устун чиқди..* Т. Аввалов, Шогирд меҳри.

2 Истак, хоҳиш, рағбат. *Етим болаларни ўқитишга унинг майли бўлмаса ҳам, бормай иложи йўқ экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Эрк, ихтиёр. *Ўз майлига қўймоқ.* ▬ *-Ҳар кимнинг майли ўзида, — деди Шарофат ва лабини буриб, четга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *тлш.* Ҳаракатнинг воқеликка бўлган муносабатини сўзловчи нуқтаи назаридан белгилайдиган грамматик категория. *Шарт майли. Буйруқ майли. Феъл майллари.*

МАЙЛИ *юкл.* **1** Розилик жавобини билдиради; маъқул, розиман, хўп бўлади. *-Киноға борсам майлими? -Майли.* ▬ *-Олиб чиқайми? -Майли.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Чироқни ўчирмайми? -Майли, — деди Сидиқжон.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Нима бўлса бўлар, нима бўлса бўлсин; ҳечқиси йўқ. *Энди, майли, ўтган ишга салавот.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Майли, болам, майли, эшитсам, сен туфайли эшитибман..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МАЙЛИГА *с. т.* Майли. *Ҳеч пул бермасангиз ҳам майлига, онажон.* С. Аҳмад, Оқпадар.

МАЙМОҚ Оёқ панжаси нотўғри, қийшиқ. *Маймоқ одам.* ▬ *Ерни шу маймоқ оёғим гуллатиб турибди, хўжайин.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЙМОҚЛИК Оёқ панжасининг қийшиқ бўлиши; маймоқ ҳолат.

МАЙМУН [*а.* ميمون — бахтли, омадли; маймун] **1** Тана тузилиши ва қиёфаси одамга ўхшаш, сутэмизувчиларнинг юксак ривожланган туркумига мансуб ҳайвон. *Одамсимон маймун.* ▬ *Эшон ойимнинг юзи.. маймуннинг юзига ўхшаган тириш, бадбуруш экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма с. т.* Бадбашара ёки серпардоз одам ҳақида.

3 Мучал йил ҳисобида тўққизинчи йил номи. *Унинг йили маймун.*

Маймун йили Мучал йил ҳисобида тўққизинчи йил (*қ.* **мучал**).

Ҳолига маймунлар йиғлайди Жуда аянч, оғир аҳволга тушди. *Ўғлингни Мирзакарим аканинг илгариги тошкентлик куёви ўлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман. Ана ундан сўнг хумсанинг ҳолига маймунлар йиғласин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЙМУНЖОН *бот.* Танаси тиканак билан қопланган, ерда чўзилиб ўсадиган, нордон, қорамтир-қизил ғуж мевали кўп йиллик ўсимлик.

МАЙМУНЧАК *шв.* Хўжағат.

МАЙНА 1 Чумчуқсимонлар оиласига мансуб сайроқи қуш. *Арғувон шохида икки майна бир-бирини қувлашиб ўйнайди.* Ж. Абдуллахонов, Ориф.

2 *кўчма* Мазах бўлган кимса, кулги, масхара объекти.

Майна қилмоқ Масхара қилмоқ, кулги қилмоқ. *-Бай-бай-бай, бу икковининг юлдузи бир-бирига тўғри келганини-чи, — деб баъзан бувим майна қилиб қўядилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МАЙНАБОЗ 1 Майна боқувчи, майнага ишқивоз киши.

2 *кўчма* Қизиқчи, масхарабоз; найрангбоз. *Шоазимнинг майнабозлиги кўп одамга ёқарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

МАЙНАБОЗЛИК 1 Майна боқиш ва ўйнатиш.

2 *кўчма* Майнабозга хос иш, хатти-ҳаракат (*қ.* **майнабоз 2**). *Абдураҳим майнабозлик қилиб, кулги кўтармоқчи бўлди.* «Ёшлик». *-Бу нима майнабозлик? — деб одамлар қичқирди.* Газетадан.

МАЙНАБОЗЧИЛИК 1 *айн.* **майнабозлик 2.** *Йигит Бектемировнинг кўзига қарамай қичқирди: -Бунақа майнабозчиликка энди тоқатим қолмади!* С. Аҳмад, Сайланма. *Қиз олдинига кулди, лекин, кимсан бир идоранинг бошлиғи бўла туриб, майнабозчилик қилмаса керак, деб гапига қулоқ солди.* «Муштум».

2 Енгил-елпи, осон иш ҳақида. *Қудрат жиддий ҳолда уқтирди: -Ҳашаротни, ўсимликни текшириш майнабозчилик эмас, оғайни.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

МАЙОНЕЗ [*фр.* mayonnaise] Тухум сариғи, ўсимлик мойи, сирка ва хилма-хил зираворларни аралаштириб тайёрланган қайла. *Салатга майонез қўшмоқ.*

МАЙОР [*лот.* major — катта] Капитандан бир даража юқори офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

МАЙПАРАСТ [*ф.* مى پرست — майни яхши кўрувчи] *эск. кт.* Ичкиликка берилган киши; майхўр. *Мен сизнинг пулпараст, молпараст-*

лигингизга чидаб келдим, аммо майпараст, маишатпарастлигингизга чидаёлмайман. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

МАЙРИЛМОҚ *шв.* Эгилмоқ, букилмоқ, мункаймоқ. *Энди сўзни Равшанхоннинг энасидан.. юраги куйиб, майрилиб қолган кампирдан эшитинг.* «Равшан».

МАЙРИҚ *шв.* Майрилган, мункайган. *Майриқ чол.* ▬ *Чўлоқ ва майриқ нимжонлар билан шунча ишлаганим етар..* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

МАЙСА Янги унган ўт-ўлан. *Ариқ бўйларида, қир этакларида ўтган йилги ўтларнинг томирларидан нозик майсалар униб чиқа бошлаган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кузда экилган буғдой ва арпаларнинг майсалари қора ернинг юзини қоплаб, зангори духоба ёпилгандай эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

МАЙСАЗОР Майсалар ўсиб ётган ер, майдон. *У беихтиёр тўшакдай юмшоқ майсазорга ўтириб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАЙТА *шв.* Қўриқ, бўз ер.

МАЙТАРМОҚ *шв.* Дилга озор бермоқ, дилни ранжитмоқ. *Бу сўзни айтиб, оломонни қайтарди. Нечаларнинг юрагини майтарди.* «Равшан».

МАЙХОНА [май + хона] Ичкилик қуйиб сотиладиган, ичкилик ичиладиган жой. *[Саидий] Қоматини ростлади, велосипедни етаклаб, кўчанинг у юзига — майхона томонга ўтди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Не ажабким, маст бўлибман кўзларингга термилиб, Етти иқлимда бу янглиғ май йўғу, майхона йўқ.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

МАЙХЎР [*ф.* میخور — майни кўп ичувчи] Майга берилган, ичкиликхўр, ичкиликбоз. *Ҳозирги ёшлар ичида қиморбозлар, майхўрларнинг кўпайиб кетганига.. подшо одамларининг маишату шуҳратга юзтубан кетганликлари сабаб эканини фаҳмлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАЙХЎРЛИК Май ичиб кайф-сафо суриш, ичкиликбозлик. *Тожибой кабиларга ҳам майхўрлик учун алоҳида бир уй ажратилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАКАРОН [*итал.* maccheroni] Хамир бўлакчалари найча шаклида ясалиб, сўнг қуритиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти. *Қайнатилган макарон билан котлет келтирдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАКЕТ [*фр.* maquette < *итал.* macchiette — хом қолип, хомаки режа] Лойиҳаланаётган бирор объектнинг, одатда, кичрайтириб, баъзан катталаштириб, шартли материаллар ёрдамида ишланган нусхаси, модели. *Кема макети.* ▬ *Бу анжуманга атаб шаҳарни безатиш бўйича макетлар, эскизлар ва плакатлар тайёр бўлди.* Газетадан.

МАКИЁН [*ф.* ماکیان — товуқ, уй паррандаси] **1** Мода қуш, парранда. *Бедананинг макиёни. Қирғовулнинг макиёни.*

2 Шундай қушга нисбатли сўкиш, ҳақоратни билдиради. -*Сўзга қулоқ сол, шаллақи макиён! — Ёрмат кўзларини найзадай қадади..* Ойбек, Танланган асарлар.

МАКИНТОШ [*ингл.* нам ўтказмайдиган матони ихтиро қилган шотланд кимёгари Макинтош (Mackintosh) номидан] Нам ўтказмайдиган матодан тикилган енгил пальто. *Кўчанинг нариги юзидан эгнида қимматбаҳо кулранг макинтош.. бир йигит қўлини олдинга чўзганча чопиб келарди.* О. Ёқубов, Учрашув.

МАКИЯЖ [*фр.* maquillage] Юзни турли хил косметик (асосан ранг берувчи) воситалар билан бўяш, юзга бошқача тус, ранг бериш. *Ҳамиджон унинг қовоқ ости ва бўйнидаги макияж ҳам яшириб қололмайдиган майда ажинлари.. борлигини ичида қайд этиб қўйди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

МАККА *шв.* Маккажўхори. *Мана, ҳозир ҳам макка уқалаяпман-у, қизиқ-қизиқ афандиларни ўйлаб.. ўзимни ўзим кулдириб ўтирибман.* Х. Тўхтабоев, Беш болали йигитча.

МАККАЖЎХОРИ Пояси баланд (узун), дони сўтасида бўладиган ғалла ўсимлиги ва унинг дони. *Маккажўхори пояси. Маккажўхори сўтаси.* ▬ *Қассоб отнинг белига ўн беш пуд маккажўхори қўйиб, бозорга олиб боради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАККАЖЎХОРИКОР Маккажўхори етиштирувчи шахс, хўжалик. *29 январда Ўзбекистон пойтахт вилояти маккажўхорикорларининг кенгаши бўлди.* Газетадан.

МАККАЖЎХОРИКОРЛИК Маккажўхори етиштириш иши, қишлоқ хўжалигининг маккажўхори етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Ҳукуматимиз озиқ-овқат программасини амалга оширишга астойдил бел боғлаб, маккажўхорикорликдаги ўз оталиқ ишларини янада яхшилашга интилмоқда.* «Гулистон».

МАККАИСАНО *айн.* **санойи макка** *қ.* **сано** II. *Муслим аттордан икки сўмлик маккаисано олди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

МАККАСОЧИҚ *бот.* Қовоқсимон палак отиб ўсадиган, ҳосили тарракка ўхшаш экин ва унинг қозонсочиқ ва мочалка сифатида ишлатиладиган ҳосили.

МАККАСУПУРГИ *бот.* Поясидан супурги ясаладиган бошоқли ўсимлик. *Остонада ётган маккасупургини олиб, табуретка устига чиқди-да, бўй чўзиб, ўргимчак уясини супуриб ташлади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

МАККОР [*а.* مكّار — айёр, ҳийлагар (одам)] **1** Макр-ҳийлага уста; айёр, доғули. *Маккор одам. Маккор душман.* ▬ *Маккор Ҳомиднинг иблисона дасисаси бир оилани тамом ишдан чиқараёзганким, бу тўғрида айниқса сизга сўзлаш ортиқчадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Макр-ҳийлага асосланган, макрли. *Душманнинг маккор ва қўрқинчли ниятини ойнадай равшан кўрсатган харитадан хўрсиниб бошини кўтарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

МАККОРА Маккор аёл. *Гулжон маҳрам.. кўпни кўрган, қанча тўраларнинг сирли ишларини битказган маккора эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАККОРЛИК Маккорларга хос иш, хатти-ҳаракат, маккор эканлик. *У [Иброҳим Султон] ўз бобосига таассуф қиларди — қаттиққўллиги, бешафқату маккорлиги билан номдор эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Унинг қўрқоқлигини билардим, лекин бунчалик маккорлигини пайқамаган эканман.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАККОРОНА *рвш.* Маккорларча, маккорлик билан. *Маккорона илжаймоқ. Маккорона хатти-ҳаракат.* ▬ *Мастура кўзларини маккорона ўйнатиб жавоб берди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

МАКЛЕР [*нем.* Makler — воситачи, даллол] Фонд, товар ва валюта биржаларида тузиладиган келишувларда даллол; пулли воситачилик хизматларини амалга оширувчи ишбилармон (*қ.* **брокер**).

МАКОН [*а.* مكان — жой, ҳудуд; даража; мартаба] **1** *флс.* Вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирувчи, материянинг масофа ва ҳажм билан белгиланадиган асосий объектив яшаш шаклларидан бири.

2 Тураржой, яшаш жойи; маскан, ватан. *Бирга-бирга маконима борайлик, Сендайин мискиннинг кўнглин олайлик.* «Ширин билан Шакар». *Умрим бино бўлди Озарбайжонда, Кечди болалигим у гул маконда.* М. Шайхзода. *Улар [уч оғайни ботирлар] тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор эди.* «Эртаклар». *Отагинангнинг чайласига юр. Сен кетгандан бери маконим шу ер.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Бирор нарса тўпланган ёки кўп бўлган жой; кон. *Кампирнинг миш-мишларига кўра, ажина ва алвастилар макони бўлган бу овлоқ жой обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бағринг кенг, еринг олтин, оромбахш, гўзал, обод, Бағрингни, орзуйим бор, куйларга макон этсам.* Т. Тўла.

Макон қилмоқ (*ёки* **этмоқ, топмоқ, тутмоқ**) Ўзига жой, макон қилиб олмоқ. *Сен бечора, нотавон кимса — макон қилдинг гуллар юртини.* Ш. Раҳмон. *Турмуш остонасин ҳатлаб ўтдилар, Севги қўрғонида макон этдилар.* М. Алавия. *Макон тутсам энди қаерда, Қаён бошлар эса иқболим.* Э. Воҳидов.

МАКОНСИЗ Макони, ватани йўқ, беватан.

МАКР [*а.* مكر — ҳийла-найранг, айёрлик, алдов] Ҳийла-найранг асосига қурилган иш, хатти-ҳаракат; ҳийла, фириб. *Ёв макрини ёлғон яширар.* Мақол. ▬ *Бас, бу ҳийлалар, бу макрлар сиздан бошқа кимдан топилсин?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАКРЛИ 1 Макрдан иборат бўлган, ҳийла-найранг асосига қурилган. *Макрли ниятлар.*

2 Маккор, айёр, доғули.

МАКРО- [*юн.* makros — узун, катта] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи қисми: а) «катта», «улкан», «катта ўлчамли»; б) «катта буюм ва миқдорларни ўрганиш ёки ўлчаш билан боғлиқ» маъноларини билдиради.

МАКРОИҚЛИМ Йирик ҳудудлар ва сув ҳавзалари (Ер, географик минтақа, қитъа, океан ва б.) иқлими.

МАКРОИҚТИСОДИЁТ Иқтисодиётнинг жаҳон ёки йирик бир мамлакат иқтисодиёти, умуман миллий хўжаликка оид катта миқёсдаги иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганувчи бўлими. *Йиғилиш ҳамда семинар-кенгаш ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири.. сўзга чиқди.* Газетадан.

МАКРОИҚТИСОДИЙ Макроиқтисодиётга оид, тегишли. *Макроиқтисодий сиёсат. Макроиқтисодий таҳлил.* ▬ *..асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини таъминлаш борасидаги асосий вазифалар муҳокама этилади.* Газетадан.

МАКРОКЎРСАТКИЧ Асосий (йирик, муҳим) кўрсаткич. *Макрокўрсаткичлар, шунингдек.. барқарорликни акс эттирувчи бошқа кўрсаткичлар янги тизимнинг асоси ҳисобланади.* Газетадан.

МАКРОМОЛЕКУЛА [макро.. + молекула] *ким.* Ўзаро кимёвий боғлар билан бириккан минглаб (ўн мингдан юз минггача) атомлардан тузилган йирик молекула.

МАКРОСТРУКТУРА [макро.. + структура] Қаттиқ жисмлар (минерал, металл ва б.) нинг оддий кўзга ёки лупалар орқали кўринадиган тузилиши; макротузилиш.

МАКРУҲ [*а.* مکروه – ёқимсиз; рад этилган, истеъмол этилиши лозим кўрилмаган] Мусулмонлар назарида, нопок, ҳаром (нарса). *Саодат опага кекса хотинлардан бири, тўнғиз ҳаром, гўшти макруҳ.. деб жирканибди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

МАКРЧИ *с. т.* Маккор, айёр, доғули.

МАКСИМАЛ [*лот.* maximus – энг баланд, катта; юксак] Энг катта, энг кўп, тўлиқ, мукаммал; *зид.* **минимал.** *Машинанинг максимал тезлиги. Иш унумини максимал ошириш.*

МАКСИМУМ [*лот.* maximum – энг катта (нарса)] **1** Энг кўп миқдор, энг катта, энг юқори даража; *зид.* **минимум 1.** *Тезлик максимуми. Ёғин максимуми.*

2 Имкони борича, мумкин қадар тўлиқ. *Резервлардан максимум фойдаланиш.*

3 Ортиғи билан, кўп деганда. *Бу ишга максимум икки кун керак.*

МАКТАБ [*а.* مکتب – ўқиш жойи; ёзув столи; бўлим, идора] **1** Ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга савод ўргатиб, уни маълумотли қилувчи таълим-тарбия муассасаси. *Бошланғич мактаб. Интернат мактаб. Ўрта мактаб. Мактабга кирмоқ. Болани мактабга бермоқ.* ▬ *Болага оила ҳам, мактаб ҳам баравар тарбия бериши, одоб-ахлоқ ўргатиши шарт.* Газетадан.

Олий мактаб Олий ўқув юртларининг умумий номи. *Аммо олий мактаб орзуси мен учун ёлғиз пуч хаёл бўлса ҳам, ундан воз кеча олмадим.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Касб, ҳунар, ихтисос ўрганиладиган ўқув юрти. *Мусиқа мактаби. Шофёрлар мактаби. Ҳунар мактаби.* ▬ *Тошкент хореография мактабининг ташкил этилганига эллик йил тўлди.* «Саодат».

3 Илм-фан, санъат, адабиёт, ижтимоий-сиёсий фаолият соҳасида бирор оқим, йўналиш. *Мактаб яратмоқ. Мактаб яратган олим.* ▬ *Ҳозирги вақтда бемалол бадиий таржимада Ойбек мактаби, Абдулла Қаҳҳор мактаби, Миртемир мактаби ҳақида гапириш мумкин.* F. Саломов, Таржима назариясига кириш.

4 Ўрганиш, тажриба орттириш, ўрнак олиш манбаи. *Ҳаёт зўр мактаб экан, ҳақиқий фикрлар вужудга келаётир.* Ойбек, Нур қидириб.

МАКТАБДОР *тар.* Октябрь тўнтаришидан олдинги даврда хусусий мактаби бўлган муаллим. *Солиҳ махдум, ўз қаторидаги мактабдор домлаларни асло кўролмас, уларга қарши юрагида умрлик кек сақлар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАКТАБДОРЛИК *тар.* Хусусий мактаб очиб, бола ўқитиш. *Солиҳ маҳдум ўттиз ёшларга борганда, мактабдорлиги ҳам яхшигина шуҳрат топади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАКТАБДОШ Бир мактабда бирга ўқиган ёки ўқиётган болалар (бир-бирига нисбатан). *Салимхоннинг хаёли шу лаҳза мактабдош ошнаси Пўлатхон Содиқовга кетди.* Мирмуҳсин, Умид.

МАКТАБХОНА *с. т.* Мактаб ўрнашган жой, бино. *Шу онда Моҳлар ойим мактабхонадаги болалар ичидан Анварни чақиртириб олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАКТАБШУНОСЛИК Педагогика фанининг мактаб ишларини бошқариш асослари, йўл, шакл, восита, усул ва методларини ўрганиш билан шуғулланувчи махсус соҳаси.

МАКТУБ [*а.* مکتوب – ёзилган; хат, нома] **1** *кт.* Кимсага, бирор кишига ёзиб юборилган хат, нома. *Мактуб юбормоқ. Мактуб ёзмоқ.* ▬ *Қушбеги ер остидан хотинни кузатди-да, қўлидаги мактубнинг орқа-ўнгини текшириб қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Конверт ичида яна бир мактуб бор эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ёзма равишда баён қилинган мурожаат; мурожаатнома.

3 Мурожаат тарзида ёзилган бадиий асар. *Мактуб жанрига мансуб бу шеър шакл жиҳатдан Муқимийнинг «Навбаҳор»ини эслатса-да, бунда Ҳамид Олимжонга хос новаторлик яққол кўзга ташланади.* «ЎТА».

МАКТУБЛАШМОҚ *кам. қўлл.* Бир-бири билан хат (мактуб) ёзишмоқ, ёзишиб турмоқ. *Кўпларини танийди, кўплари билан мактублашган.* Ойбек, Навоий.

МАКУЛАТУРА [*лот.* maculare – ифлослантирмоқ] Хизматини қилиб бўлган, яроқсиз ҳолга келган қоғоз, картон, эски газета, қоғоз чиқиндилари ва умуман, яроқсиз нарсалар (қоғоз фабрикаларида иккиламчи хомашё сифатида фойдаланилади). *Бегмат Суннатов райондаги макулатура йиғадиган кичик бир идорада оддий хизматчи бўлиб ишлайди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

МАЛАЙ 1 Хўжайин ёки бошқа бировнинг хизматларини бажарувчи киши; хизматкор. *Ҳакимбойвачча учун Йўлчи синалган, азамат бир малай ва бир чеккаси қариндош эди ҳам.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ким эдинг? Кимсасиз бир етим, бировнинг эшигида малай эдинг, – деди Элмурод ўз-ўзига.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма салб.* Бировнинг манфаати учун кўр-кўрона хизмат қилувчи одам; хизматкор. *Ажнабийларга сотилган малайлар мамлакатни таладилар, хонавайрон қилдилар.* Газетадан.

МАЛАК [*а.* ملك – фаришта**] 1** *дин. айн.* **фаришта.** ***[****Навоий:]* *Нечук безовтасан, барвақт турибсан? Малак янглиғ ўзинг танҳо юрибсан*? Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 *кўчма* Гўзал аёл, нозанин. *..мендаги бу ўзгариш манбаи уй ичида ухлагувчи бир малак эди.. Сиз эдингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЛАКА [*а.* ملكه – қобилият, истеъдод; хусусият, одат] Касбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган тажриба, кўникмалар; маҳорат. *Малака ҳосил қилиш. Малака ошириш.* ▬ *Қамбар келиб, ўзининг малака орттирган хизматини бажара бошлагач, Йўлчи қоронғи супадаги тақир намат устига чўзилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жангчилар зарур бўлган малакани орттириши биланоқ бетўхтов фронтга юборилади, деб тахмин қилган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

МАЛАКАЛИ Малакага, тажрибага эга бўлган, катта малака орттирган. *Малакали кадрлар. Ўрта малакали ишчи. Юқори малакали мутахассис.*

МАЛАХ [*ф.* ملخ – чигиртка] Булутдек ёпирилиб келиб, экинларни еб ташлайдиган чигиртка.

МАЛАХИТ [*юн.* malachite < malache – гулхайри; тугмачагул] Турли зийнат буюмлари тайёрлашда, шунингдек, мис олишда хомашё сифатида фойдаланиладиган тўқ яшил минерал; мис яшили.

МАЛИК [*а.* ملك – подшоҳ, ҳукмдор] **1** *эск. кт. айн.* **подшо(ҳ)**.

2 Малик (эркаклар исми).

Чўли малик Катта чўл. *Сен, тоғам чўли маликда турадилар, деб ўйлаган бўлсанг керак-а?* Н. Мақсудий, Умидли бола.

МАЛИКА [*а.* ملكه] **1** Аёл подшоҳ. *Маликасининг ғазабига учраган қул қай даражада эс-ҳушидан айрилса.. менинг-да ҳозирги ҳолим бунинг юз даража юқорисига етди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Подшоҳ оиласига мансуб аёл. [*Мажддиддин Қулмуҳаммадга:*] *Шаҳаншоҳ ўзингни падар, қизингни малика қилмоқчи..* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 Малика (хотин-қизлар исми).

МАЛИКУЛ-КАЛОМ [*а.* ملك الكلام – сўз подшоҳи] Ўтмишда юксак қобилият, бадиий-поэтик маҳорат эгаси, шу соҳада етакчи мавқе ва обрў-эътиборга эга бўлган шоиру адибларга берилган унвон. *Мавлоно Лутфий ўз замонасининг маликул-каломи эрди. Форсий ва туркийда беназир эрди.* Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис.

МАЛИКУШ-ШУАРО [*а.* ملك الشّعراء – шоирлар подшоҳи] *эск. кт.* Ўтмишда Шарқда энг маҳоратли, ўткир шоирларга берилган унвон ва саройда шундай шоирга берилган амал.

МАЛИНА [*р.* малина – тутсимон мева] *айн.* **хўжағат**.

МАЛЛА 1 *сфт.* Жигаррангга мойилроқ оч сарғиш ранг.

2 *от* Бўзнинг сарғиш ранг бир тури. *Малла тўн. Малла белбоғ.* ▬ *Булар учун исроф бўлмиш, эсиз, афсус, Бир дока саллаю ўттиз қарич малла.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 *шв.* Марҳумни қабристонга элтишда тобут устига ёпиладиган нарса, мато.

4 Малла (эркаклар исми).

МАЛЛАПЎШ Малла бўздан қилинган ёпинғич, чойшаб.

МАЛОИК *эск. кт. қ.* **малоика.**

МАЛОИКА [*а.* ملائكه – «малак» с. кўпл.] *эск. кт.* Малаклар, фариштгалар.

МАЛОЛ [*а.* ملال – зерикиш, чарчаганлик; ташвиш] **1** Оғир олиш, оғирсиниш ҳисси ёки ҳолати; малоллик.

Малол келмаса *(ёки* **бўлмаса**) Агар бемалол бўлса. *Малол келмаса, бир келиб кетинг.* ▬ *Ҳозир ишлаш эмас, қўлини кўтариб, папироснинг кулини қоқиш ҳам малол келар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Малол олмоқ** Оғир туймоқ, оғир ботмоқ. *Шоир малол олгандек ижирғаланиб қаради.* Н. Аминов, Суварак.

2 Ташвиш, ғам-ғусса. *Кундузи ҳам, ҳатто тунлар ҳам, Узоқ мендан ғам, андуҳ, малол.* Ғайратий.

МАЛОЛАТ [*а.* ملالت – зерикиш; ташвиш, ғашлик] Кўнгил ғашлиги, дилтанглик. *Амир Душанбега келгач.. унинг [Абдулҳофизнинг] ёш қизини олдириб келди, Темуршоҳ қизининг ўлгани сабабли кўнглида пайдо бўлган малолатни бартараф қилди.* С. Айний, Дохунда.

МАЛОЛЛИК Малол келадиган ҳолат, малол белгиси. *Хўрандаларга енгил кўз ташлади. Уларнинг юзида малоллик, довдираш белгиларини сезгандек бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

МАЛОМАТ [*а.* ملامت – таъна қилиш; айб тақаш] Бировни ҳақ-ноҳақ ёмонлаб айтилган гап; мазаммат, таъна. *Маломат қилмоқ. Маломатда қолмоқ. Маломатга қўймоқ.* ▬ *Тегмасин ногоҳ маломат ўқлари, Сезгиру ҳушёр бўл оҳу каби.* Ҳабибий.

МАЛОҲАТ [*а.* ملاحت – гўзаллик, ҳусн; ёқимлилик] **1** Қоратўридан келган аёлларга хос гўзаллик, ёқимлилик. *Шу ҳуснинг, шу малоҳатинг ва шу латофатинг билан тамом меники бўларсан, шундайми?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Малоҳат (хотин-қизлар исми).

МАЛОҲАТЛИ Малоҳати бўлган, ёқимли.

МАЛУЛ [*а.* ملول – зерикувчи, чарчаган, сабрсиз] *эск. кт.* Хафа, дилтанг.

МАЛЪУН [*а.* ملعون – лаънатланган] *кт.* Лаънати, лаънатланган. *[Гулнор:] Қайси бир раҳмсиз, ноинсоф малъун биз турган жойни етказганлигини билмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЛЯРИЯ [*итал.* malaria < mala aria – ёмон ҳаво] *қ.* **безгак.**

МАЛҲАМ [*а.* مرهم – суртма дори; крем; бальзам] **1** Сиртдан қўлланадиган хамирсимон ёпишқоқ дори (Ёғлар, каучук, қўрғошинли тузлар, мум, дори ва б. моддалар аралашмасидан таркиб топган қаттиқ масса бўлиб, 37°С температурада юмшайди ва терига яхши ёпишади). *Ярага малҳам қўймоқ.* ▬ *У [Ёдгор] дарднинг зўридан гавдасини ҳар томонга урар ва Раҳим ёғчига ялинар, жароҳатни очиб, ундан малҳамни сидириб олишни сўрарди.* С. Айний, Дохунда.

2 *кўчма* Даво ёки дармон бўладиган ҳар бир нарса. *Сен ҳам онасиз ўсган экансан, болам, «Она» дегин, менинг ҳам тилка-тилка бўлган юрагимга малҳам бўлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

МАМЛАКАТ [*а.* مملكت – салтанат, давлат, подшоҳлик] **1** Муайян чегараларга ва давлат суверенитетига эга бўлган ҳудуд. *Подшонинг хасталиги сабабли мамлакатда тўю маъракалар, базмлар тўхтатилган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Европада қатор демократик тузумдаги мамлакатлар пайдо бўлди.* Ойбек, Нур қидириб. *Дўстлик – мамлакат, давлат бойлиги, унинг куч-қудрати, дейди халқимиз.* Р. Файзий, Таъзим.

2 Географик ҳолати, табиий шароитлари билан фарқланадиган, ажраладиган жой, ҳудуд. *Куз ойларида қушлар полопонларини учишга, гала билан парвоз қилишга ўргатадилар, сўнг иссиқ мамлакатларга равона бўладилар.* Газетадан.

3 Мамлакат (хотин-қизлар исми).

МАМЛАКАТШУНОСЛИК Географиянинг аниқ ҳудудлар (материклар, мамлакатлар, йирик минтақалар)ни ўрганувчи тармоғи.

МАММА *бол.* Она эмчаги.

МАМНУ [*а.* ممنوع – тақиқланган, ман этилган] *эск. кт.* Ман этилган, тақиқланган, қатағон. *Хаёлотни қилди мамну, ўргатди шавқ, ғайратга.* Э. Воҳидов.

МАМНУН [*а.* ممنون – ўта миннатдор, қарздор; бурчли] Кўнгли тўлган, қаноатланган, хурсанд, миннатдор. *Қутидор ҳар куни Юсуфбек ҳожининг мухлисларидан бирининг уйида меҳмон ва ҳожининг суҳбатидан мамнун эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эргаш мамнун жилмайиб, Соттининг елкасига қўлини ташлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МАМНУНИЯТ [*а.* ممنونيّت – илтифот (лилик); миннатдорлик] Кўнгил тўлган, хурсанд, мамнун бўлган ҳолат; мамнунлик, хурсандлик. *Муҳаммадражаб домла бу топшириқни мамнуният билан қабул қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАМНУНЛИК 1 Мамнун эканлик, кўнгли тўлганлик. *Комилжон экишнинг сифатидан мамнунлигини айтиб.. агрономга қаради.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 *айн.* **мамнуният**. *Томошабинлар янги спектаклни мамнунлик билан қабул қилдилар.* ▬ *Раиснинг юзида мамнунлик белгилари кўринди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МАМОНТ [*р.* мамонт < *пол.* mamona] Ер геологик тарихининг музлик даврида яшаган, ҳозир насли қуриб кетган филсимон баҳайбат ҳайвон. *Орол.. тўртламчи даврнинг ётқизиқлари билан қопланган бўлиб, бунда мамонтлар ва буқаларнинг суяклари топилган.* «Фан ва турмуш».

МАМОТ [*а.* ممات – ўлим; ҳаёт сўнги] (асосан *ҳаёт* сўзи билан қўлланади) *кт. айн.* **ўлим**. *Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиднинг ҳаёт ва мамот масалаларини ўзининг қора қучоғига олган қоронғу бир тун эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАН I *шв.* Мен. *Олимхон ака, сиз чора кўраверинг.. Ман ҳам ёрдамлашаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАН II [*а.* منع – тақиқ, ман қилиш]: **ман қилмоқ** *(ёки* **этмоқ, айламоқ**) Тақиқламоқ, тўхтатиб қўймоқ, қатағон қилмоқ.

МАН III [*а.* منّ – 898,56 г га тенг оғирлик ўлчови] *эск.* Жойига қараб турли қийматга эга бўлган оғирлик ўлчови.

МАНА 1 *олм.* Сўзловчининг қўлида ёки яқинида турган нарсани, бўлаётган ёки бўлиб ўтган воқеа, ҳодисани кўрсатишда ишлатиладиган сўз. *-Китобинг қани? -Мана. Мана кечаги айтган ўртоғим.* ▬ *-Мана, бекачим, – деди кулиб Тўйбека, – Анови кунги ёш меҳмонни сенга мақтасам, аччиқландинг, аммо келиб-келиб сени ўшанга бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мана, икки ойнинг ичида яйдоқ дала юзи ям-яшил ғўза ниҳоллари билан қопланди.* Газетадан.

2 Кўрсатиш олмошлари олдида келиб, кучайтирув ва таъкид билдиради. *Урушга орзумандмисиз, мана бу бойвачча укангизни олиб жўнай беринг, йўл очиқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *юкл.* Алоҳида таъкид билдиради. *Йигитларни элтиб, тўппа-тўғри ўқ тагига ҳайдайдилар, мана, кейин эшитиб қоламиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана, бошқарма план бўлимида уни роса қизартиришди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи.

4 Ундов гапда ҳайрат, киноя, таажжуб каби маъноларни билдиради. *Ана ҳусну мана малоҳат! Мана бамаънилик! Мана илму қобилият!* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАНАВИ *с. т.* [*асли* **мана бу**] *олм.* Мана бу, ушбу. *Манави бола. Манави китобни ўқинг.*

МАНАП *тар.* 20-асрнинг 20-йилларигача қирғизларда олий феодаллар табақасига мансуб киши.

МАНАТ Туркманистоннинг асосий пул бирлиги (1993 йилдан).

МАНБА [*а.* منبع – бошланиш; ибтидо] **1** *геогр.* Дарёларнинг бошланиш жойи.

2 Бирор нарса олинадиган, чиқадиган ёки ишлаб чиқариладиган жой, қурилма ва ш. к. *Хомашё манбаи. Газ манбалари. Электр манбаи.* ▬ *[Бу ерлар] Ширин-шакар мевалар ва қовун-тарвуз маконига, арпа-буғдой, макка ва сабзавот манбаига айланади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

3 *кўчма* Бирор нарса, иш-ҳаракат ва ш. к. нинг юзага келиши, фаолият учун асос-омил бўлган нарса; сабаб. *Илмсизликни ночорлик ва ношудлик, алам ва ситам, хўрлик ва бахтсизлик манбаи дейишади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 Илмий тадқиқот ишлари учун асос бўлган асар, ҳужжат ва ш. к. *Бу [«Ҳиндистон сафарномаси»] Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги қадимий алоқаларни ўрганишда фойдали манбадир.* Газетадан.

МАНБАШУНОСЛИК Тарихий манбаларни излаб топиш, қайд этиш, тўплаш, ўрганиш ва илмий муомалага киритиш назарияси ва амалий усуллари ҳақидаги фан (тарих ва адабиётшуносликда ёрдамчи фан ҳисобланади).

МАНГ «Ма» сўзининг ҳурмат ва кўплик шакли. *Манг, ишонмасангиз, ҳидлаб кўринг.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

МАНГЛАЙ [*мўғ.* магнай – пешона; олдинги] **1** *айн.* **пешона 1.** *Унинг [Ғани отанинг] қошлари чимирилиб, сержин манглайи тағин ҳам тиришди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *айн.* **пешона 2.** *..ўзига тасалли берди: «Ҳар ким манглайга ёзилганини кўради».* К Яшин, Ҳамза. *Уф-ф.. Нетай, оға, манглайим қора экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАНГО [*малайяча*] Жанубий Осиёнинг тропик ўрмонларида ўсадиган доимо яшил дарахт (Айрим турларининг овалсимон ширин хушбўй меваси шундайлигича ёки тузланган ҳолда овқат сифатида ишлатилади).

МАНГУ *кт.* Абадий, умрбод. *У [Гулнор] то сўнгги нафасигача меҳнат, машаққат, азоб ичида кечирган бу дунёдан кўзларини мангу юмгунча уни, Йўлчини эслагандир.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАНГУЛИК *кт.* Абадийлик, абадият. *Мангу ҳаёт нимада асли? Борми ўзи чексиз мангулик?* Тўлқин. *Ўйлай — мангуликнинг бу ойнаи жамолида Ким қоларкан севгидай абадий ва суюкли.* А. Орипов.

2 *сфт. айн.* **абадий**. *Муталнинг боши шилқ этиб, лойхонага тушди-да, мангулик уйқуга кетганлиги маълум бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У — менинг ҳеч битмас қуёшим. У — менинг мангулик қуёшим.* «Гулдаста».

3 Мангу эканлик. *Кимки қуёш ҳароратининг мангулигин ҳис қилмоқчи бўлса, уни ҳам диёримдан топади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

МАНГУС *айн.* **мангуста**. *Майдонда найрангбоз кобра билан мангуснинг жангини кўрсатмоқда.* Ойбек, Нур қидириб.

МАНГУСТА [*фр.* mangous < *исп.*] *зоол.* Жанубий Осиё ва Африкада яшайдиган кичкина, сутэмизувчи йиртқич ҳайвон (айрим заҳарли илонларнинг кушандаси).

МАНДАРИН I [*исп.* mandarin] **1** Жанубий мамлакатларда ўсадиган бир турли цитрус ўсимлиги ва унинг тўқ сариқ рангли, териси юпқа, хушбўй меваси.

МАНДАРИН II [*порт.* mandarin < *санск.* mantrin — маслаҳатчи] Хитойнинг феодализм давридаги давлат арбобларига европаликлар томонидан берилган ном.

МАНДАТ [*лат.* mandatum — топшириқ] Бирор шахснинг ваколатини, муайян фаолият ёки нарсага ҳуқуқини тасдиқловчи расмий ҳужжат. *Депутатлик мандати. Қўлга мандат бермоқ.*

Мандат комиссияси Съезд, қурултой, конгресс, конференция, сессия ва ш.к. да иштирокчиларнинг ваколатини текширувчи ҳайъат.

МАНДОЛИНА [*итал.* mandolino] Тўрт жуфт сим тори бўлган чертма мусиқа асбоби. *Мандолина чалмоқ.*

МАНЁВР [*фр.* manoeuvre < manu operor — қўл билан ишлайман] **1** *ҳарб.* Қўшин ёки флотнинг душманга зарба бериш мақсадида энг қулай вазиятни эгаллаш учун қиладиган ҳаракати; қўшин ёки флотнинг тактик машғулоти, машқлари. *Манёвр ўтказиш тактикаси.* ■ *Фақат яхши ўйланиб тузилган манёвр билангина душман қаршилигини синдира олдик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *т. й.* Станцияда поезд улаш учун паровоз ва вагонларни у йўлдан бу йўлга кўчириш. *Далага ёйилган тракторлар, темир йўл станцияларида манёвр қилаётган паровозлардай, гуруллашиб ҳаракат қилмоқда.* С. Айний, Қуллар.

3 Самолёт, кема ва ш. к. нинг тўсиққа ёки душманга чап бериш учун ўз йўналишини ўзгартиб қиладиган ҳаракатлари. *Бутун батальон самолётнинг тепаликни қидираётганини билди, душман зенитига чап бериб манёвр қилаётганини тушунди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МАНЕЖ [*фр.* manege < *итал.* maneggio] Циркда ўйинлар ўтказиладиган, кўрсатиладиган махсус жой, майдон. *Манежда Акром Юсупов икки-уч шериклари билан ўйин кўрсатарди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

МАНЕКЕН [*фр.* mannequin < *голл.* mannekijn — одам] Кийимни ўлчаб кўриш ёки намойиш қилиш учун одатда одам бўйи бараварида ёғоч ёки пластмассадан ишланган фигура, ҳайкал.

МАНЖАЛАҚИ 1 Ҳеч кимга сўз бермайдиган, жанжалкаш, шаллақи (асосан аёллар ҳақида). *Манжалақи хотин.* ■ *Мен унга манжалақи парихон отиннинг гапини гапириб юрибман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Нотўғри йўлга кирган; бузуқ (аёллар ҳақида). *..бу манжалақи бир бало қилган, ўзига иситиб олган бўлса ажаб эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Агар шўрлик тирик бўлганида, бу манжалақининг кўзларини ўйиб оларди.* Мирмуҳсин, Умид.

МАНЖАНИҚ [*а.* منجنيق — тошотар курол] *тар.* Тош отадиган қадимий уруш қуроли. *Манжаниқлардан тинмай тош отиб, катта ёйлардан ўқ ёғдиришди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МАНЖЕТ(А) [*фр.* manchette – енгча < *лот.* manus – қўл] **1** *махс.* Эркаклар ва аёлларнинг турли бичимдаги кўйлаклари енгига тикилган ёки қадалган қайтарма қисм.

2 *тех.* Машина, механизмлар бирикмаларида: суюқликнинг бир бўшлиқдан иккинчисига оқиб (сизиб) ўтишига тўсқинлик қилувчи, тери ёки резина ҳалқа шаклидаги зичловчи деталь.

МАНЗАРА [*а.* منظر – кўриниш, панорама; кузатиш маскани] Кўзга ташланиб турган ёки тасаввур этиладиган кўриниш, тасвир. *Табиатнинг гўзал манзаралари.* ▬ *[Отабек] Ўзининг очиқ кўзи, ўткир зеҳни орқали бундай ўзбошимчалик орқасидан мудҳиш фалокатли манзаралар кўрар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАНЗАРАЛИ Кўриниши гўзал, кишини мафтун этадиган. *Табиатнинг манзарали ерлари.* ▬ *Болтабоев шинамгина уйининг олдига мевали, манзарали дарахтлар, гуллар экди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МАНЗИЛ [*а.* منزل – маскан; тураржой; уй, хонадон] **1** Сафарда, йўлда тўхтаб ўтиладиган, қўниб туриладиган ёки етиб бориш мўлжалланган жой. *Бир неча минутдан кейин қиз билан йигит манзилга яқинлашдилар.* С. Айний, Дохунда. *Шаҳристонга ҳозиргина кириб келдим. Тунамоққа манзил истайман.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

2 *кўчма* Кураш, ҳаракат натижасида эришилиши мўлжалланган марра. *Манзилга яқинлашган сари, сезгимиз ўткир, қиличимиз кескир бўлиши лозим.* Уйғун, Навбаҳор.

3 Йўлнинг бир тўхташ жойидан иккинчи бир тўхташ жойигача бўлган масофа. *Бир манзил, икки манзил йўл юриб бораётир эди, олдидан бир кампир чиқди.* «Равшан».

4 Тураржой, истиқоматгоҳ. *Бирдан пастдан, тоғ қазувчилар манзилидан шодиёна қичқириқлар кўтарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАНЗИЛАТ [*а.* منزلت – даража; мавқе; ҳолат] *эск. кт.* Мавқе; қадр-қиммат. *[Тўлахон:] Эй худо, учиб юрган паррандача қурб, манзилат бермас экансан, нима учун хотин-қизларни яратдинг.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Ичкари, ташқари.. ҳовлида ўсган Ўринбой қалъачи қизининг кўзида русча уйларнинг нима манзилати бор?* С. Айний, Қуллар.

МАНЗИЛГОҲ 1 *айн.* **манзил 1, 4**. *Чўлқувар инженер ва архитекторларимиз бир вақтлардаги сардобалар ўрнида сўлим манзилгоҳлар, янги кент ва шаҳарлар барпо этмоқдалар.* Газетадан.

2 *тар.* Ибтидоий жамиятда уруғ жамоаларининг вақтинча турадиган жойи, маскани.

МАНЗИЛХОНА *шв.* Меҳмонхона, мусофирхона.

МАНЗИРАТ [*а.* منظرت – меҳмонхона; қабул хонаси] Такаллуф, мулозамат. *-Раҳмат, Олимжон ака. Ман уйга борай, – Ҳакимбойвачча таклифни оддий манзират деб билгани учун кетмоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу манзиратлардан ўнғайсизланган ака тезроқ кетиш тараддудига тушди.* Э. Аъзам, Жавоб.

МАНЗУМ [*а.* منظوم – тузилган, ташкил топган; назм] *эск. кт.* Назм билан ёзилган, шеърий. *Манзум китоб.*

МАНЗУМА [*а.* منظومه – шеърий асарлар; тизим] *эск. кт.* Назм билан ёзилган асар; шеърий асар. *Ўрда жарчиси бозор ва уриниш жойларда тўхтаб: -Айюҳаннос! Билмаган билсин, эшитмаган эшитсин..– манзумаси билан жар солиб юрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мен ўшанда очерк ўрнига уч бобдан иборат шеър ёзган эдим, уни на достон, на баллада деб бўлади, шунчаки манзума.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

МАНЗУР [*а.* منظور – кўринадиган; кўзда тутилган; истиқбол] Кишиларга маъқул бўладиган, ёқадиган, ёқиб тушадиган. *Одобли бола элга манзур.* Мақол. ▬ *Кўпчиликка манзур шеъринг, хизматинг.* Ҳабибий.

Манзур қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) ёқтирмоқ, маъқул топмоқ, маъқул қилмоқ. *Ёзиб манзур асарлар халқ учун, сен борлигинг билдир, Агар халқ қилса манзур, халққа миннатдорлигинг билдир.* С. Абдулла; 2) маъқуллатмоқ, маъқул қилмоқ. *Совғани хонга манзур қилиб, Афанди қуюқ инъом олиб, ўрдадан чиқиб кетди.* «Латифалар».

МАНИЙ [*а.* منى] *биол.* Эркакларнинг жинсий безидан ажралиб чиқадиган суюқлик; сперма.

МАНИКЮР [*фр.* manicure < *лот.* manus – қўл + curare – парвариш, ғамхўрлик қилмоқ] Қўл тирноқларини қирқиб, текислаб ва бўяб безатиш. *Бармоғини маникюр қилиб юрадиган шаҳарлик қизлар пахта тергани келса-ю, сизларнинг ойимчаларингиз уйда ўтиришса..* «Муштум».

МАНИПУЛЯЦИЯ [*фр.* manipulatio < *лот.* manipulus – ҳовуч < manus – қўл] Ноқонуний операция; фаол савдо фикрини уйғотиш ёки олди-сотдида қимматли қоғоз баҳосини тушириш ёки ошириш учун олди-сотди қилинган қимматли қоғоз.

МАНИФЕСТ [*лот.* manifestum – чақириқ, даъват < manifestus – ошкор, очиқ-ойдин] **1** Ҳукуматнинг жуда муҳим сиёсий воқеа муносабати билан халққа қилган ёзма мурожаати.

2 Бирор партия ёки ижтимоий ташкилотнинг дастур тарзидаги ёзма мурожаати. *Тинчлик манифести.*

МАНКУҲА [*а.* منكوحه – никоҳланган, никоҳдаги (хотин)] *эск. кт.* Никоҳдаги хотин, шаръий хотин, жуфти ҳалол.

МАНМАН Ўзини катта тутадиган, босар-тусарини билмай қолган; такаббур. *Манман одам. Камтарга – камол, манманга – завол* Мақол. ▬ *У илгариги «манман» Тожибой эмас: хийлагина ҳовурдан тушган ва анчагина мулойимлашиб қолган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Манман (*ёки* **манаман**) **деган** Машҳур, энг олдинги, донгдор. *Хиванинг манман деган бойларидан пул топиш сирларини ўргандим.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бунақа занжирни янга тугул, қишлоғимиздаги манман деган темирчи ҳам узолмайди.* «Ёшлик». *Кўчага чиқсам, манман деган йигитлар ҳуснимга маҳлиё бўлади.* «Муштум». *Қўқоннинг манаман деган бойларидан Миразимжон бойни ўлдиртириб, сир очилаётганда.. хўжакўрсинга Эргашга жазо бердирди.* К. Яшин, Ҳамза.

МАНМАНЛИК 1 Ўзини катта тутишлик; манман эканлик; кибр. *Мақтанчоқлиги, манманлиги туфайли кўплар ёқтирмайдиган енгил табиатли Мурзин келиб қолди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Манман одамларга хос хусусият, иш, хатти-ҳаракат. *Бундай мақолларда ахлоқ ва одатларга зид бўлган хусусиятлар: текинхўрлик, манманлик, исрофгарчилик.. каби одатлар қаттиқ қораланади.* «ЎТА». *Уни [одамни] тамом қиладиган кушандаси ҳам манманлигу маишату шуҳратпарастлик.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

МАНМАНСИРАМОҚ Манманликка берилмоқ. *Одамларга яхшилик тилаш, қилиш ҳазратнинг одатига айланиб қолган. Бироқ шундай манмансираш ҳам унинг одати.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Камтар бўламан.. манманликка берилиб кетмайман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

МАННИЙ [*р.* манна < *юн.* manna – овқат, озуқа]: **манний ёрмаси** Буғдой мағзидан тайёрланган майда ёрма. **Манний бўтқа** Манний ёрмасидан тайёрланган бўтқа (парҳез таомлардан бири).

МАНОЛ [*а.* منال – қўлга киритиш, эришиш; ҳадя] *кт.* Туҳфа қилиб олинган ёки берилган нарса; туҳфа.

МАНОМЕТР [*юн.* manos – зич эмас, сийрак + metreo – ўлчайман] Дамланган буғ, газ ёки суюқлик босимини ўлчайдиган асбоб.

МАНОР [*а.* منار – нур, ёғду манбаи; маёқ] *кт.* Манора, минора. *Ўртада подадай сурилди халқ, Фуқаро бошидан ясалди манор.* Туйғун, Шеърлар.

МАНОРА [*а.* مناره – маёқ; минора] *эск. айн.* **минор(а)**. *Масжид манорасида мунгли азон товуши эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАНОТ I *с. т., шв.* Сўм. *Бир манот.* ▬ *Карвонбошини олдига чақириб: -Генералга қирқ минг манот ҳадя қилинсин, – деб амр қилди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАНОТ II [*а.* منات – қадимги арабларда санам, маъбуда номи] *дин.* Араблар исломдан илгари сиғинган санам – маъбудалардан бири (*яна қ.* **лот** I).

МАНОҚИБ [*а.* مناقب – фазилатлар, афзалликлар; тақдирга лойиқ хизмат] *эск. кт.* Бир кишининг фазилат ва мартабасини мақтаб ёзилган рисола. *Кўргазмада Осиё ва Африка ёзувчиларининг 2500 дан ортиқ асарлари: энг қадимги маноқиблардан тортиб энг замонавий асарларгача намойиш қилинади.* Газетадан. *Қуруқ маддоҳликдан на ҳожат. Асл шоирга маноқиб муносибми?* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАНПАР Узма хамирдан устига гўшт, пиёз қиймаси, тухум кабилар солиб тайёрланган суюқ овқат. *..мингбоши, додхоҳ, қозиаъламларнинг.. ёш келин-қизлари Ниёзохуннинг лағмон, манпарларига роса ўрганишган.* К. Яшин, Ҳамза.

МАНПАСИ [*р.* монпансье < *фр.* Montpensier – Франциядаги графлик номи] Қоғозга ўралмаган майда шаффоф ранг-баранг дандон конфета; обаки.

МАНСАБ I [*а.* منصب – иш, амал, аҳвол, ҳолат] **1** Масъул вазифа; амал, лавозим. *Ўз мансабидан фойдаланмоқ. Мансабдан тушмоқ.* ▬ *Мулла Абдураҳмон Қўқон сафарига ҳозирланаркан, кўнгли Қўқонда ўзини кутиб турган уламолик шуҳратига, муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *с. т.* Ўзини кўрсатиш учун қилинадиган ёки ўзига маъқул иш, ҳаракат. *Манманлик у кишига бир мансаб.*

Мансабга минмоқ (*ёки* **ўтирмоқ**) Амалга тайинланмоқ, бирор амални, вазифани эгалламоқ. *У жуда катта мансабга мингандай ён-верига қарагиси келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАНСАБ II *геогр.* Дарёнинг кўл, денгиз ёки бошқа дарёга қуйиладиган жойи. *Ҳар бир катта дарёнинг мансаби бўлади.* «Ўқиш китоби».

МАНСАБДОР Бирор мансабга, лавозимга эга бўлган; амалдор. *Мансабдор шахс.* ▬ *Ушбу ҳукмимизни ерига еткизишда сустлик қилган мансабдор бизга итоатдан бош тортган ҳисобланиб, энг қаттиқ жазомизга маҳкум қилинур.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..мансабдор шахслар амирзода Иброҳим Султоннинг рухсати билан шаҳардан чиқа олишлари мумкин эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАНСАБЛИ *айн.* **мансабдор.**

МАНСАБПАРАСТ Мансабга интиладиган, мансабни яхши кўрадиган. *Мансабпараст одам.* ▬ *Ёлғиз ўз манфаати йўлида, бир-бирини еб, ичган мансабпараст.. йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАНСАБПАРАСТЛИК Мансабни яхши кўриш, мансабга интилиш. *Биз кадрларни тўғри тарбиялаш манфаатларини кўзлаб, мансабпарастлик кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боришимиз керак.* Газетадан.

МАНСАБСИЗ Мансаби йўқ, амали йўқ.

МАНСУБ [*а.* منسوب – тегишли; алоқадор] Қарашли, тегишли, тааллуқли, оид, кирадиган. *Умуртқалилар синфига мансуб жонивор. Галогенларга мансуб элемент. Юқори табақага мансуб одам.* ▬ *Девонбегилар авлодига мансуб бўлган.. Шерназарбой Исломхўжани ич-ичидан ёмон кўрар, азалдан адовати бор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАНСУБИЯТ [*а.* منسوبيّت – қариндошлик; алоқадорлик] *кт.* Мансублик, оидлик, тааллуқдорлик. *Гарчи сизнинг қипчоқ қавмига мансубиятингиз бўлса ҳам, Мусулмонқулни ҳайдашда бизга унутмаслик хайрихоҳликлар ва хизматлар кўрсатдингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАНСУБЛИК 1 Мансуб ҳолат. *Синфий мансублик.*

2 Мансуб эканлик. *..қайси халқ, миллат, динга мансублигини суриштирмай, барчани баравар кўришларини жўшиб гапирди.* К. Яшин, Ҳамза.

МАНТИ [*хит.* мян – хамир + ти – гўшт] Гўшт ва пиёз қиймасини хамирга тугиб, қасқонда пишириладиган овқат. *Чучвара нима экан, Сидиқжон ака, ёғли манти қилиб бераман. Хамири юпқароқ бўлсинми, қалинроқ?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МАНТИПАЗ Касби манти пишириш бўлган ёки манти пиширишни яхши биладиган киши. *Мантипаз елкасини қисиб, лағмонпазни кўрсатди.* «Саодат».

МАНТИҚ [*а.* منطق – нутқ, тил; сўзлаш; логика] **1** Тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан. *Насриддин Тусий.. жабр, тиб ва мантиқ назарияси билимларининг бошқа соҳалари бўйича ҳам кўпгина китоблар ёзган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Гап, фикр, ҳаракат ва ш. к. нинг ақлга монандлиги, асослилиги. *Хотинининг бу гапи Бўтабой аканинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бундаги кучли мантиқ тилини боғлади-ю, ҳеч нарса деёлмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Студентлар ҳам қизиқ-да. Бир-бирларига ҳеч ақлга сиғмайдиган, мантиққа тўғри келмайдиган лақаблар қўйишади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Ички қонунийлик, қонуният. *Недир, недир ҳаёт мантиқи? Ўсиш, қариш қонуни нега?* М. Шайхзода. *Мантиқ талаби шу эрур, шоҳим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАНТИҚАН [*а.* منطقاً – мантиқ бўйича, асосида] *рвш.* Мантиқ нуқтаи назаридан, мантиқ жиҳатидан (*қ.* **мантиқ 2**, **3**). *Аҳмад ўртоғининг ўз фикрини мантиқан тўғри ва аниқ асослаб бераётганлигидан ҳайратланиб ўтирар эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МАНТИҚИЙ [*а.* منطقى – мантиққа асосланган, мантиқ бўйича] **1** Мантиққа оид, мантиқ жиҳатидан; қонуний, асосли. *Кўриб турибсизки, ҳар иккала хат ўртасида мантиқий боғлиқлик бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Мантиққа асосланган. *Мантиқий хулоса.* ▬ *Мантиқий фикрларим, ўйларим хурофий-диний масалалардан устун келди.* Ойбек, Нур қидириб.

МАНТИҚИЙЛИК Мантиқ, мантиқий асос; қонунийлик, асослилик. *Театрларда тил ва талаффуз масаласини тўғри йўлга қўймай туриб, мантиқийлик, подтекст (сўз замири).. каби асосий ва ҳал қилувчи фикрлар тўғрисида сўзлашга ўрин қолмайди.* С. Искандаров, Театрда тил ва талаффуз.

МАНТИҚЛИ Мантиққа эга бўлган, мантиққа асосланган; асосли. *Мантиқли гап. Мантиқли ҳаракат.*

МАНТИҚСИЗ Мантиқи, маъноси йўқ, бемаъни; асоссиз. *Мантиқсиз гап. Мантиқсиз савол.* ▬ *Хаёллари мантиқсиз, алғов-далғов туш каби мубҳам эди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МАНТИҚСИЗЛИК 1 Мантиққа, маъно ва мазмунга эга эмаслик; асоссизлик. *Бу ясама гапларнинг мантиқсизлиги отамга маълум бўлса керакки: -Унинг гапларини эсингдан чиқаргандирсан? — деб сўради.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Мантиқсиз иш, ҳаракат, гап ва ш. к. *Мен ўзимча шундай мулоҳазалар қилиб, муллаларнинг у гапларини ғаразгўйлик, мантиқсизлик ва кулгили деб билар эдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

МАНУФАКТУРА [*лот.* manufactura < manus — қўл + facere — бажармоқ] **1** Қўл кучи ва ҳунармандчилик техникаси асосида меҳнатнинг тақсимланишини характерловчи ишлаб чиқариш шакли.

2 Газлама, газмол, мато. *Қумри онасидан Таманнонинг мануфактура базасида ишлаётганлигини эшитиб, ҳангу манг бўлиб, лабини тишлади.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.

МАНФААТ [*а.* منفعت — фойда, даромад] Моддий, маънавий, жисмоний ва б. жиҳатдан (кўриладиган) фойда, наф. *Манфаат топмоқ. Манфаат кўрмоқ. Бу ишдан ҳеч манфаат кўрмадим. Доридан яхши манфаат топдим.* ▬ *[Дадавой:] Халқ йўлида жонни аямаслик даркор. Ўз манфаатимиздан халқ манфаатини юқори қўяйлик.* Уйғун, Навбаҳор.

МАНФААТДОР Бирор ишдан манфаати бор, манфаати бўлган. *Бизда маҳсулот чиқаришни кўпайтиришдан ҳамма манфаатдордир.* ▬ *Ғуломжон ҳақиқатни аниқлашда ўзидан кам манфаатдор бўлмаган бойваччага ер остидан разм солиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАНФААТЛИ Манфаати, фойдаси бор; фойдали. *Манфаатли иш.*

МАНФААТПАРАСТ Шахсий манфаатинигина кўзловчи. *Ўз-ўзидан маълумки, худбин, манфаатпараст кимсада оилага меҳр-муҳаббат бўлмайди.* Газетадан.

МАНФААТСИЗ Манфаати, фойдаси йўқ; бефойда, фойдасиз.

МАНФИЙ [*а.* منفى — бадарға қилинган; рад этилган; салбий] **1** *мат.* Нолдан кичик. *Манфий сон.*

2 *физ.* Заррачалари электрондан иборат бўлган. *Манфий заряд. Манфий электрод.*

3 *кам қўлл.* Ёмон белгили; салбий. *Унга [Авазга] мусбат воқеа ҳам, манфий воқеа ҳам тез таъсир қилар, нохуш воқеадан ҳам, завқёб ҳодисадан ҳам дарҳол қалби жунбишга кела бошларди.* С. Сиёев, Аваз.

МАНФУР [*а.* منفور — нафратга йўлиққан, лойиқ] *кт.* Кишини нафратга келтирувчи, нафратга лойиқ; жирканч. *Манфур душман.* ▬ *Бутун дунё хотин-қизлари учун «уруш» деган сўздан манфурроқ сўз йўқ.* Газетадан.

МАНШУР [а. منشور — халққа эълон қилинган, тарқатилган; дастурий ҳужжат, мурожаатнома] Муайян дастурга эга бўлган, тантанали суратда эълон қилинган ҳужжат, мурожаатнома, манифест. *Хуш айёмда элимнинг дилга сиғмас сурури, Юртим бўйлаб таралди мустақиллик маншури.* Б. Бойқобилов.

МАНҚА I **1** Димоғида гапирувчи. *Шу пайт Эшон мачитдан манқа сўфининг панг овози эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 *шв.* Мишиқ.

МАНҚА II От ва бошқа якка туёқли ҳайвонларда бўладиган, баъзан одамга ҳам ўтадиган юқумли касаллик.

МАНҚАЛ [*а.* منقل — кўчма ўчоқ; оташдон, ўтдон] Кўмир билан ёқиладиган кўчма ўчоқ. *Манқалга кўмир солмоқ. Манқалда овқат пиширмоқ.* ▬ *Самоварчи бўшаган чойнакларга чой дамлаб, яна манқал устига қўйди.* С. Айний, Дохунда.

МАНҚАЛАНИШ *тиб. айн.* **манқалик.**

МАНҚАЛАНМОҚ Димоғ билан гапирмоқ, пинғиллаб гапирмоқ.

МАНҚАЛДОН *айн.* **манқал.** *Ўртада манқалдонда олов, олов атрофида синиқ-мертик*

чойнаклардан уч-тўрттаси терилган. Ғ. Ғулом, Шум бола.

МАНҚАЛИК *тиб.* Туғма ёки ҳаётда орттирилган анатомик нуқсонлар оқибатида овоз жарангдорлигининг бузилиши, нутқ товушларини бузиб талаффуз қилиш каби ўзгаришлар билан ифодаланувчи патологик ҳолат.

МАНҚУРТ 1 *тар.* Ўтмишда, баъзи кўчманчи халқларда, банди (асир) тушганларнинг сочи қиртишлаб олинган бошига янги сўйилган туянинг бўйин териси қопланиб, терининг бошни тобора қаттиқ қисиши оқибатида хотираси, ақл-идроки, умуман, инсонга хос хислат-фазилатларидан маҳрум этилган шахс. *Манқурт ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, болалик кезларини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборади.* Ч. Айтматов, Асрга татигулик кун.

2 *кўчма* Ана шундай (манқуртга хос) хислат, хусусиятга эга бўлган шахс. *Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди.* Газетадан.

МАНҒИТ *тар.* Йирик ўзбек қабилаларидан бирининг номи; шу қабилага мансуб киши.

МАНҲУС [*а.* منحوس – бадбахт, бахтсиз] *эск. кт.* **1** Бахтсизлик келтирувчи; шумоёқ. *Калхатлар, қузғунлар, манҳус бойқушлар Шунқорлар зарбидан бўлмишлар мурда.* М. Шайхзода.

2 Манфур, жирканч. *..жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатмоққа интилдилар, лекин ўз устларига миниб олган манҳус гавдаларни енгишнинг иложи бўлмади.* Ҳ. Шамс, Душман.

МАОРИФ [*а.* معارف – «маърифат» с. нинг кўпл.: билим, фан; маълумот] **1** Кишининг билим ва онгини ошириш, умумий савиясини кўтаришга қаратилган таълим-тарбия, илм-урфон; маърифат. *Маориф ишлари. Маориф тарқатмоқ.* ▬ *Навоий замонасида фан ва маданият, маориф яхши тараққий этган.* Газетадан.

2 Таълим-тарбия ва маданий-маърифий муассасалар тизими; шундай ишларни бошқарувчи идора. *Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун, маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилинди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МАОРИФПАРВАР Маориф тарафдори, маърифат учун хизмат қилувчи, курашувчи.

МАОРИФЧИ 1 Маориф соҳасида ишловчи киши, маориф ходими. *Туманимизда ёш авлод тарбияси учун ўзининг бутун куч-билимини сарфлаётган ўқитувчилар ва маорифчилар кўп.* Газетадан.

2 Маориф, маърифат тарқатувчи киши, маърифатпарвар.

МАОФА [*а.* محفّه – тахтиравон; замбил] *тар.* Отга ўрнатиладиган, одам ўтирадиган, соябонли бир хил кажава. *Унинг [Навоийнинг] аҳволи оғирлашади. Юришга мажоли қолмай, йиқилади. Навоийни маофага солиб, Ҳиротга жўнатдилар.* Ойбек, Навоий.

МАОШ [*а.* معاش – турмуш, тирикчилик; тирикчилик учун зарур нарсалар; иш ҳақи] Хизмат, иш учун муассаса томонидан белгиланадиган, бериладиган пул; иш ҳақи, ойлик. *Маош олмоқ. Маош бермоқ. Маош тайинламоқ.* ▬ *Иззат-обрўси ҳам, маоши ҳам ошди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАОШХЎР [маош + *ф.* خور – еювчи] Маош олувчи, маош ҳисобига яшовчи. *Мен илгари идорада ишловчи оддий бир хизматчилардан бўлиб, маошхўр эдим.* «Муштум».

МАРАЗ [*а.* مرض – касаллик] *эск. кт.* **1** *с. т.* Йиринг олган, фасод боғлаган яра. *Маразлир вужудинг, фашистдир номинг, Қон юқлари билан сасиган жоминг.* Уйғун.

2 Шу нарсага нисбатли ҳақоратни билдиради. *Ҳасаннинг гапига қотиб-қотиб кулган ҳам шу мараз эмасмиди?* С. Сиёев, Аваз.

3 *кўчма* Ярамас, зарарли нуқсон, иллат. *Одат бир мараз дейдилар. Ярамас одатни тарк қилиш осон иш эмас.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. *Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик деган мараз иллат деҳқонларимиз шаънига яхши бўлмади.* «Муштум».

МАРАЛ Буғуларнинг катта айри шохли йирик бир тури. *Булбулнинг маскани боғда, Марал келар баланд тоғда.* «Баҳром ва Гуландом». *Сен марал кўзидан чиройли..* Ш. Раҳмон.

МАРАЛҚУЛОҚ *бот.* Пояси йўғон, барги йирик заҳарли ўт (ветеринарияда дори сифатида паразитларга қарши ишлатилади).

МАРАФОН [*юн.* Marathon – милоддан аввалги 490-йилда юнон-форс уруши бўлиб ўтган ва Афинадан 40 км узоқликда бўлган жой (қишлоқ) номи; шу жангдаги ғалабадан хабар бериш учун жангчи-чопар Марафон қишлоғидан Афинагача тўхтамай югуриб борган] **1** *спрт.* Замонавий енгил атлетикада 42 км 195 м га тенг узундан-узоқ югуриш масофаси (Марафон қишлоғидан югуриб келган матонатли жангчи шарафига шундай номланган).

Марафон югуриши *ёки* **марафонча югуриш** *спрт.* Енгил атлетикада катта текис йўлда 42 км 195 м ли масофани югуриб ўтиш мусобақаси.

2 Спорт, эстрада ва б. мақсадларда уюштириладиган, узоқ давом этадиган, кўп босқичли чора-тадбирлар (репортажлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар орқали ёритилади). *Наврўз хайрия марафони.*

МАРАФОНЧИ Марафонча югурувчи спортчи. *Машҳур марафончиларнинг тана ҳарорати манзилга етганида 42, ҳатто 44 даражага кўтарилган.* «Фан ва турмуш».

МАРВАК: марвак тут *шв. айн.* **марварид тут** *қ.* **марварид.** *Қари марвак тут остидаги супа бўм-бўш.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

МАРВАРИД [*ф.* مروارید – дур, инжу] Баъзи моллюскалар (юмшоқ танлилар)нинг чиғаноғидан олинадиган оқ, сарғиш, қизғиш, баъзан қора қимматбаҳо донача; дур. *Қозикалон сандиқларни очиб кўрсатди: баъзисида олмос, ёқут, ақиқ, зумрад ва марварид.. тўла эди.* С. Айний, Дохунда. *Унинг қошида ўсма, кафтида хина аримас, қулоғидан зирак, қўлидан қўш узук, бўйнидан марварид шодаси тушмасди.* М. Мансуров, Ёмби.

Марварид тут Тутнинг майда донали кечпишар ширин нави. *Йигитали азамат тут дарахтига тикилиб қараркан, тегирмон бошидаги баҳайбат марварид тут кўз ўнгида гавдаланди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

МАРВАРИДГУЛ Лоладошларга мансуб, барглари йирик узун, шингил кўринишдаги кичик-кичик карнай гуллари оқ, хушбўй ўтсимон ўсимлик; ландиш. *Май марваридгули доривор ўсимлик сифатида ишлатилади.. манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.* «ЎзМЭ».

МАРВАРТАК: марвартак тут *шв. айн.* **марварид тут** *қ.* **марварид.** *Болалар ердан жой тополмай, марвартак тутларга чиқиб олганлар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Фарғоналиклар марвартак, тошкентликлар балх тути, деб аташади уни.* «Муштум».

МАРГ [*ф.* مرگ – ўлим; ажал] *кт.* Ўлим, вафот. *Маргнинг қори ёғиб, сабзанг оқармасдан бурун, Гашти оламдур ғанимат, фасли сайринг соз топ.* Ҳамза. *Азоб кўрган банда маргини тилар.* «Эрали ва Шерали».

МАРГАНЕЦ [*нем.* Mangan < Manganerz – марганец рудаси] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қаттиқ ва мўрт, оқ кумушранг металл (ўсимлик ва ҳайвонлар организми таркибига микроэлемент сифатида киради).

МАРГАРИН [*фр.* margarine < *юн.* margaros – садаф] Мол ёғи, ўсимлик мойи ҳамда маза ва хушбўй ҳид берувчи бошқа моддалар аралашмасидан тайёрланган омихта ёғ.

МАРГИМУШ [*ф.* مرگموش – сичқон ўлими; сичқон ўлдирувчи] **1** Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент; тўқ кулранг кристалл, баъзан аморф ҳолдаги мўрт, қаттиқ металл.

2 Шу моддадан тайёрланган препарат (тиббиёт ва техникада ишлатилади). *Ўша мушукни тутиб олсам, оғзига маргимуш солиб ўлдираман.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

МАРД [*ф.* مرد – одам; эркак; ботир, жасур] **1** Қўрқишни билмайдиган; қўрқмас, ботир, жасур. *Тантибойвачча бобилладди: -Дев пойлаган тилсимдан уни қайси мард олиб кетади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мард кишидан ўлим ҳам қўрқади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Эр кишига хос ижобий фазилатларга эга, айтганининг устидан чиқадиган, танти, ҳотам. *Ваъдага вафо қилмоқ – мардларга хос фазилат.* Ғайратий. *Мард бўлсангиз, буни бўйнингизга олинг.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Мард одам имзосини очиқ қўяди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Қизим, аканг мард йигит эди, номусли йигит эди. Номус билан, мардлик билан ўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *с.т.* Умуман, бирор ишни қила оладиган, бирор иш қўлидан келадиган киши. *Буларга ўз вақтида иссиқ чой дамлаб бериб турадиган марднинг ўзи йўқ.* Ойдин, Бечора. *Дутор қўлма-қўл бўлди, лекин уни, номига бўлса-да, тинғиллатадиган мард топилмади.* «Муштум».

Марди майдон Жанг қаҳрамони ёки кураш қаҳрамони. *Ташлагил қадам олға, ўзни*

марди майдон қил. Қонталаб фашистларнинг икки дийдасин қон қил. Ғайратий.

МАРДАК [*ф.* مردک — кичкина одам, пакана; аҳмоқ, гўл] *шв.* **1** Жўхори сўтаси. *Сулаймонқул ака жаҳли чиқиб, оёғи остида ўралашган товуқни бир тепди-да, чала уқаланган мардакни томга отди.* М. Маҳмудов, Иззат.

2 Енгилтабиат, пасткаш киши. *Амирзодам, агар бу мардак садоқатли қулингиз бўлганида, ёмон овоза тарқатган навкарни қўлидан тутиб топширмасмиди?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МАРДИКОР [*ф.* مردکار — тажрибали, ишбилармон одам; хизматкор] **1** Вақтинча ёки кундалик ёлланиб ишловчи ишчи. *Далада ишнинг тиғиз вақти ўтгани учун мардикорларга бундан бир неча кун илгари жавоб берилган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *тар.* 1914—1918 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши даврида чор ҳукумати томонидан чекка ўлкалардан, жумладан, Туркистондан фронт ортидаги, мамлакат ичкарисидаги қора ишларга сафарбар этилган эркак киши. *1916 йили рус подшоси мардикор олган вақтда Мадамин ўз оёғи остидан ўзига қарши кўтарилган ёвни кўрди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *с.т.* Мардикор иши; мардикорлик. *Сиз оқподшонинг давлати соясида юрт сўраб, умрингиз айш-ишрат билан ўтяпти. Шундай бўлгандан кейин, бир тантилик қилинг, доддоҳ, аввал сиз ўғлингизни мардикорга юборинг.* К. Яшин, Ҳамза. *..эл бошига янада катта муҳтожлик тушади ва Абдурасул ҳамқишлоғи Юсвали ака билан мардикорга жўнайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шайтоннинг мардикори Беҳуда ишлар билан тиниб-тинчимас одам (асосан ёш болаларга нисбатан қўлланади). *Таланту иқтидор деган нарсани юқтирмаган бўлса, ҳадеб шайтоннинг мардикори бўлиб «ишлаб бериш»нинг ҳам фойдаси йўқлигини илова қилишим керак!* «ЎТА».

МАРДИКОРЛИК 1 Мардикор иши, касби; мардикорчилик. *Биз бойларда етимлик, чоракорлик, мардикорлик, чорвадорларда чўпонлик қилиб кун кечирамиз.* С. Айний, Қуллар.

2 Мардикор бўлиб ишлаш (*қ.* **мардикор 2**). *Мардикорликка олинган кишилар.*

МАРДИКОРЧИЛИК *айн.* **мардикорлик 1.** *Мен Авлиёотага кетмасимдан бурун шу атрофда мардикорчилик қилган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МАРДЛАРЧА *рвш. айн.* **мардона 1.** *Қийинчиликларни мардларча енгмоқ.* ■ *Мулла Туроб билан Мулла Бозор ўлимга қараб мардларча бормоқда эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

МАРДЛИК 1 Мард эканлик. *Сенинг элга садоқатингни, Мардлигингни билар эдим мен.* Уйғун.

2 Мард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Менимча, Қодир Рустамов мардлик билан донг чиқарган жангчиларимиздан.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

МАРДОН [*ф.* مردان — одамлар; мардлар] **1: саҳари мардон** Эрта тонг. *Саҳари мардондан кетган Малишев ҳам қош қорайганда қайтди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Мардон (эркаклар исми).

МАРДОНА [*ф.* مردانه — эркакларча, ботирларча] **1** Мардларча, мардлар сингари. *Табиий қийинчиликлар билан мардона олишган ва ўз мақсадига етган азаматларни ҳар қанча табрикласанг — оз.* Газетадан.

2 Эркакча, эркакларга тегишли (оёқ кийими ҳақида). *Чин арафа кечаси бутун дўконлар тонг маҳалигача очиқ бўлар, ҳайитга нарса олишга улгура олмаганлар шу кечаси мардона, заифона ва бачкана кавуш-маҳси.. сотиб олар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МАРДОНАВОР *поэт.* Мардлардек, мардларча, мардона. *Она Ватан, истиқболинг, саодатинг деб, Курашади мардонавор қарилар, ёшлар.* Ғайратий. *Ахир, сиз ҳам улуғвор ишнинг жонкуярисиз-ку, ахир, сиз ҳам шу ишнинг рўёбга чиқиши учун мардонавор курашгансиз-ку.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

МАРДУД [*а.* مردود — қайтарилувчи, рад этилувчи; фойда; маҳсул] *эск. кт.* Қувилган, рад этилган. *Чиқ орадан, кета қол, мардуди даврон қиламан.* Ҳамза. *Қўлидан не-не бадкирдорлар, жунун табиатли мардудлар ўтмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАРДУМ I [*ф.* مردم — одам(лар), киши(лар)] *кт.* Эл, халқ; кишилар. *Фақат сизнинг тинчсизланишингиз ва мардумнинг юқори-қуйи сўзи бўлмаса, сизга бошқа зарар бўлур, деб ўйлай олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАРДУМ II Кўз қорачиғи, гавҳари. *Ёмон кўзлар, мабодо фитна қўзғаб боқмасинлар деб,*

Кўзни мардумлари шўхона тиғ ўйнар дема, қоши. Ҳабибий.

МАРДУМОЗОР [*ф.* مردمآزار – эзувчи, зулм қилувчи, золим] Кишига, элга озор берувчи, зарар-зиён етказувчи шахс. *..мўминларингиз ичида такаббури йўқмиди? Олчоқ-очкўзи, киссавури, мардумозори йўқмиди?* С. Сиёев, Аваз.

МАРДУМОЗОРЛИК Мардумозор бўлиш, кишига, элга озор, зарар-зиён етказиш. *Акс ҳолда бу қадар телбалик кўчасига кириб, эл-улус кўзи олдида мардумозорлик бирла ном чиқармас эди.* С. Сиёев, Аваз.

МАРДУМХЎР [*ф.* مردمخور – одам еювчи, одамхўр] *эск. кт.* Халқ молини, бировнинг ҳақини еювчи; текинхўр, молимардумхўр.

МАРДУМХЎРЛИК Халқ мулкини талаш, бировларнинг ҳақини ейиш; текинхўрлик, молимардумхўрлик.

МАРДЧАСИГА *айн.* **мардларча**. *Чорлади Ватан ишқи, мардчасига от сурдинг, Қайда бўлса мазлумлар, дил уйига меҳмон қил!* Ғайратий.

МАРЖОН [*ф.* مرجان] **1** Сув остидаги қояларга бута шаклида тўда-тўда бўлиб ёпишиб олиб, қўзғалмай яшовчи денгиз жонивори.

2 Шу жониворларнинг оҳакли скелет қолдиқлари (мунчоқ ва б. безак буюмлари ясаш учун ишлатилади).

3 Мунчоқ ва ш. к. ни ипга тизиб ясалган, бўйинга тақиладиган безак буюми; тақинчоқ. *Бўйнида шода-шода маржон.*

4 *кўчма* Нарсани маржонга, маржон қаторига нисбатлаб ифодалайди; маржондек. *Ранг кириб қолган жийда маржонлари гулга ўхшаб товланади.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Бир маҳал қарасам, кўзларида маржон ёшлари оқиб, онам тепамда турарди.* П. Нишонов, Ота ўғли.

МАРЖОН-МАРЖОН Маржон каби зич жойлашган, терилган. *Поёни йўқ токзорда маржон-маржон узум бошлари олисдан ҳам кўриниб туради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАРЗА [*ф.* مرز – чегара, сарҳад; ўлка; эгат] *қ. х.* **1** Экинзор ёки унинг бир бўлагини бошқа бўлакдан ажратиш учун маълум баландликда тупроқ уйиб ҳосил қилинган чегара; эгат, йўл. *Ерни тозалаб бўлганингдан кейин хирмон жойининг марзаларини ҳозиргисидан икки баравар баланд қил.* С. Айний, Дохунда. *Чол марзадан юриб, ўқариқ бўйлаб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Марза олмоқ Ер майдонида шундай чегара – йўл ҳосил қилмоқ. *Чигит экиладиган ерларни карталаш, марза олиб, бостириб суғориш пайти келди.* Ж. Қодиров, Аттанг деб қолманг. *У кундузлари.. елкасида кетмон кўтариб, далага чиқади, марза олади, ер текислайди.* Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

2 Ариқ сирти; пушта. *Кунни кеч қилиш ниятида марза устига чиқиб, тут соясида ўтирдим.* О. Ҳусанов, Най. *Бошларига сават қалпоқ кийган сувчилар марзаларда сув тараб юришибди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

МАРИЙ Россия Федерацияси таркибидаги Марий Эл Республикаси туб аҳолисини ташкил этувчи халқнинг номи.

2 Шу халққа, миллатга мансуб, оид. *Марий аёл. Марий тили.*

МАРИЙЛАР Марий Эл Республикасининг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

МАРИНАД [*фр.* marinade < mariner – намакобга солмоқ] **1** Мева ва сабзавотларни сақлаш (маринадлаш) учун сирка, туз, шакар ва турли зираворлардан тайёрланган сув.

2 Сабзавот, қўзиқорин, мева ва б. маҳсулотлардан шундай сув (маринад) қуйиб, махсус тайёрланган овқат тури. *Ойнаванд токчаларда сабзавот консервалари, мева шарбатлари, маринадлар.. компотларни кўриб, кўзингиз қувонади.* М. Маҳмудов, Ирмоқлар қўшилиб.

МАРИНАДЛАМОҚ Мева ва сабзавотларни маринадга солиб консерваламоқ, маринад қилмоқ.

МАРИНКА [*лот.* marinus – денгизга оид, мансуб] Балиқнинг чучук сувларда яшовчи, гўшти мазали бўлган майда тури. *Бу сувларда сом, сазан, маринка каби балиқлар сероб.* Газетадан.

МАРИНОВКА *с.т.* Маринадлаш. *[Ошкўклар] Сабзавотларни тузлаш, мариновка қилиш ва консервалашда жуда ҳам бебаҳодир.* Газетадан.

МАРИХУАНА [*исп.* mariguana, marihuana] Ҳинд нашаси (бҳанги) мевасидан олинадиган наркотик модда.

МАРКА I [*нем.* Mark, *фин.* markka] **1** Почта ҳақи ва бошқа хил давлат йиғимлари тўланганини кўрсатувчи, турлича қийматга эга бўлган, одатда бирор тасвир тушириլ-

ган кичикроқ тўртбурчак қоғозча. *Почта маркаси. Гербли марка. Беш тийинлик марка. Марка йиғмоқ.*

2 Мол, товарга, маҳсулотга унинг тайёрловчисини аниқ кўрсатиш мақсадида қўйилган фабрика тамғаси, фирма белгиси.

3 Товар, маҳсулотнинг нави, хили. *Пўлатнинг янги маркаси.*

МАРКА II [*нем.* Mark, *фин.* markka] Германиянинг (1871 йилдан) ва Финляндиянинг (1860 йилдан) миллий пул бирлиги (2002 йил 1 январдан бу мамлакатлар пул бирлиги еврога ўтиши муносабати билан муомаладан чиққан).

МАРКАЗ [*а.* مركز – ўрталик, ўрта ер; ҳолат, мавқе, вазият] **1** *мат., физ.* Геометрик шаклнинг ўқ чизиқлари кесишадиган, мас., шар сиртининг барча нуқталаридан баравар узоқликда бўлган нуқта, геометрик ёки физик нисбатларнинг ўрта нуқтаси. *Эллипс маркази. Линза маркази. Симметрия маркази. Оғирлик маркази.*

2 Бирор сатҳ, майдон ва ш. к. нинг ўрта қисми; ўртаси. *Чўл марказида қад кўтарган посёлкага аҳоли кўчиб кела бошлади.* Газетадан.

3 *кўчма* Аҳамияти, моҳияти ва ш. к. жиҳатдан асос, асосий ҳисобланувчи жой, қисм, ўрин ва б. *Асар марказида бисотларидаги ёлғиз эшакларини миниб, сафарга чиққан ота ва ўғил образлари туради.* «ЎТА». *Гўшт тайёрлаш, аҳоли дастурхонига гўшт маҳсулотлари етказиб беришдаги қинғир ишлар марказида гўшт комбинатлари туради.* Газетадан.

4 Аҳоли яшайдиган жойнинг маъмурий бинолар, савдо ва бошқа муассасалар ўрнашган асосий қисми. *Шаҳар маркази. Қишлоқ маркази.* ▬ *Қайси куни марказдан келган врач Ҳанифа холанинг касали рак эканини.. айтган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 Бирор фаолият соҳасида асосий иш олиб бориладиган жой. *Матбуот маркази. Илмий марказ.* ▬ *Яқинда Ўзбекистон атом марказининг тўнғич иншооти – республика Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг илмий-тадқиқот реактори ишга тушди.* «Фан ва турмуш».

6 *айн.* **пойтахт**. *Тошкент – Республикамизнинг маркази.* ▬ *Унинг [Мусулмонқулнинг] истибдоди ўзга шаҳарларда унча сезилмаса ҳам, марказ – Қўқон одамларини жуда тўйдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 *тар.* Олий бошқарув, раҳбарлик органи. *Марказ кўрсатмаларига амал қилмоқ.* ▬ *«Ёпирай, – деди Мавлон ака ўзига ўзи, – наҳотки Марказдагилар бунақа ишларга индамаса?»* Ҳ. Ғулом, Машъал.

8 *физиол.* Нерв ҳужайраларининг организмнинг бирор фаолиятини бошқарувчи маълум гуруҳи. *Ҳаракат маркази. Нафас маркази. Мия пўстлоғи марказлари.*

Диққат марказидаги *ёки* **диққат марказида турган** Асосий диққат-эътиборни ўзига тортиб турган. *Ёлғиз ўғлини жангга йўллаш Меъмор хонадонининг диққат марказида эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАРКАЗИЙ 1 *мат., физ.* Марказга оид, марказда жойлашган. *Марказий нуқта.*

Марказий бурчак *мат.* Айлананинг икки радиуси ўртасида, айлана марказида бўлган бурчак.

2 Бошқа ўзига ўхшаш объектлар марказида, ўртасида жойлашган. *Марказий кўча.* ▬ *Бугунги кунда марказий посёлка гавжумлашиб қолди.* Газетадан.

3 Асосий, муҳим. *Марказий масала. Марказий ўринни эгалламоқ.* ▬ *Саттор юмушларини зудлик билан тўғриладию, марказий участкага жўнаб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 Қуйи ташкилотларга раҳбарлик қилувчи. *Марказий комитет. Марказий орган. Марказий банк.*

5 Бирор иш, фаолият соҳасидаги кичик маҳаллий бўлимларни бирлаштириб, бошқариб турувчи; бош. *Марказий сайлов комиссияси. Марказий статистика бошқармаси.*

6 Марказ ҳисобланувчи, марказ бўлган. *Ўлкамизда боғдорчилик шу қадар тараққий этганки, етиштирилган ноз-неъматларни ўзимиз истеъмол қилишдан ташқари, қўшни мамлакатларнинг марказий шаҳарларига ҳам юборамиз.* Газетадан.

7 Марказга оид, қарашли (*қ.* **марказ 6,7**). *Унинг устидан марказий идораларга шикоят билан тўлган узун-узун аризалар уча берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Маҳаллий ва марказий газеталардан олинган кўчирмалар билан безатилган нутқининг ўн минутлик давомида раис мажлис аҳлини икки марта тартибга чақирди.* А. Қаҳҳор, Нотиқ.

Марказий нерв системаси *физиол.* Умуртқали ҳайвонлар ва одам нерв системасининг бош ва орқа миядан иборат асосий қисми.

МАРКАЗЛАШМОҚ Бир марказга бирлашмоқ, бир жойда тўпланмоқ; уюшмоқ. *Марказлашган таъминот.* ▬ *Кўнгиллилар отрядидан бир нечтаси водий бўйлаб ҳаракат қилса-да, ҳали улар марказлашганича йўқ эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАРКАЛИ 1 Маркаси бўлган, марка ёпиштирилган. *Маркали конверт.*

2 Бирор маркага, навга тааллуқли (*қ.* **марка** I **3**). *ДТ-54 маркали трактор. Олий маркали чой.*

МАРКАЛИК Бир маркага арзирли; бир марка турадиган. *Агар шу каллахом чопиққа уста бўлса, бир кунда икки маркалик иш қила беради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МАРКЕТИНГ [*ингл.* marketing < market — бозор; сотиш, пуллаш] *иқт.* **1** Иқтисодиётнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш (талаб ва истеъмол, маҳсулотга нарх белгилаш, уларни тарғиб қилиш, сотилаётган товарлар ҳажмини кўпайтириш воситалари каби) муаммолари билан шуғулланувчи соҳаси. *Маркетинг курслари. Маркетинг ва реклама бўйича китоблар кўргазмаси.*

2 Бозор эҳтиёжи талабларидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг янги хил маҳсулотлар ишланмаларини тайёрлаш, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ёки турли хил хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш тизими.

МАРКЕР I [*фр.* marqueur < marquer — белгиламоқ, белги қўймоқ] Бильярд ўйинида: ҳисоб олиб борувчи ва бильярдчиларга хизмат кўрсатувчи киши.

МАРКЕР II *қ.х.* Эгат олиш ва экин экиш учун режа чизиғи тортувчи асбоб; хаткаш.

МАРКИЗ [*фр.* marquis] Ғарбий Европадаги айрим мамлакатларда меросий дворянлик унвони.

МАРКИЗА [*фр.* marquise] Маркизнинг хотини ёки қизи.

МАРКИЗЕТ [*фр.* marquisette] Жуда ингичка ип ёки ипакдан тўқилган юпқа, нафис ва пишиқ газлама. *Оқ маркизетдан тикилган кўйлак.*

МАРКСИЗМ [*р.* Маркс (Marx) — немис файласуфи, иқтисодиётшуноси номидан] Ишчилар синфи дунёқарашини акс эттирувчи, К. Маркс ва Ф. Энгельс таълимотида ўз ифодасини топган фалсафий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий қарашлар тизими; илмий коммунизм назарияси ва амалиёти.

МАРКСИСТ Марксизм тарафдори.

МАРКСИСТИК 1 Марксизмга ва марксистга оид. *Марксистик партия. Марксистик диалектика. Марксистик фалсафа.*

2 Марксизм принципларига асосланган ва уларни ифодалайдиган. *Жамият ҳодисаларига марксистик ёндашиш.*

МАРЛИ [*р.* марля < *фр.* marli — дока] Сийрак тўқилган юпқа ип газлама, сийрак дока. *Зонд ўз жойидан суғурилиб кетмасин учун уни марли орқали боғлаб, ёпишқоқ нарса (пластирь) ёрдами билан қорин терисига ёпиштириб қўйилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

МАРМАР [*а.* مرمر — ганч, мармар < *юн.* marmaros — тош; қоя, чўққи] Асосан ҳайкалтарошликда ва бинокорликда, шунингдек, баъзи бир зийнат буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган, ҳар хил рангда учрайдиган кристалик тоғ жинси. *Оқ мармар. Кўк мармар. Ғозғон мармари. Мармардан ишланган ҳайкал.* ▬ *Ҳисор тоғи конининг мармарлари оппоқ қорга ўхшаб ялтирайди.* А. Толипов, Ярқироқ тошлар.

МАРМАРАК *бот.* Йирик хушбўй гулли ўт ёки бутасимон ўсимлик.

МАРМЕЛАД [*фр.* marmelade < *исп., порт.* marmelo — беҳи < *лот.* melimelum — асал олма] Эзилган мева ва шакардан тайёрланадиган қандолатчилик маҳсулоти.

МАРОМ [*а.* مرام — истак, интилиш] Бирор иш, фаолият ёки жараённинг меъёрий ўлчови; меъёр. *Иш маромга келди.* ▬ *Саҳар турдик, кеч ётдик, жон койитдик, ҳар бир ишни маромида қилдик.* Газетадан. *Бақиргандан кўра мароми билан секинроқ қилинган таъна қулоққа яхшироқ ўрнашади.* Газетадан.

Бир маромда Бир хилда, бир текисда. *Неъматжон хуштабиат, уятчан бир йигит бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромда сўзлашарди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Созанданинг ўзи бошини дам ортга, дам олға ташлаб, бир маромда оҳиста тебранади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Хона жим, фақат соатнинг бир маромда чиқиллаши бу жимликни бузади.* Газетадан.

МАРОСИМ [*а.* مراسم — урф-одатлар, удум] Диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган тадбир,

йиғин. *Диний маросимлар. Тўй маросими. Дафн маросими.* ▬ *Келаси жума махдумнинг уйида тўй ижро қилиниб, маросимдан сўнг Раъно ўрдага юбориладиган бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Тантаналар билан ўтказиладиган расмий йиғин. *Каналнинг очилиш маросими. Мукофот бериш маросими.* ▬ *Пўттиев шу долзарб кунларда далага эмас, тантанали маросимга отланган кишидай башанг кийинган.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Адолат маршалнинг парад қабул қилиш маросимини биринчи марта кўраётгани учун.. қора кўзлари нурланиб чақнарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МАРОТАБА [*а.* مراتب – «мартаба» с. нинг кўпл.] *юқ. усл.* Мартаба, дафъа, бор, карра. *Бир маротаба. Кўп маротаба.* ▬ *Табибий бошлиқ шоири замонлар баъзи кунлари тўрт маротаба Тозабоққа қатнар эдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАРОҚ [*а.* مراق – тўғри йўлдан озиш; бирор нарсага телбаларча берилиш] *кт.* Ортиқ шавқ-завқ; зўр қизиқиш; ҳузур. *Мароқ билан қулоқ солмоқ. Мароқ билан гапирмоқ.* ▬ *Мажлис Отабекнинг Шамай таассуротини мароқ билан эшитгач, шу кунгача ҳеч кимдан эшитилмаган унинг фикрларига ажабланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАРОҚЛАНМОҚ Ортиқ завқ олмоқ, завқ, мароқ ҳиссини туймоқ. *Китобни ўқиб мароқланмоқ.* ▬ *Турдиматнинг назарида, раис чеканкадан чиққан ғўзаларга қараб мароқланаётганга ўхшади.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Ўтап ҳам, Тозагул ҳам Эъзозхоннинг сўзларини мароқланиб эшитдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

МАРОҚЛИ Мароқ бағишловчи, завқ берувчи, роҳатбахш, завқли. *Мароқли лекция. Мароқли ҳикоя. Мароқли суҳбат.* ▬ *Қизйигит тўйи – бахт, муҳаббат тўйи бўлгани учун, уни ҳар жиҳатдан мароқли, умрбод эсда қоладиган қилиб ўтказмоғимиз керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАРРА [*а.* مرّه – бир бор, бир дафъа] **1** Югуриш мусобақаларида, пойгада босиб ўтиладиган йўлнинг охирги нуқтаси. *Маррага биринчи бўлиб бормоқ.* ▬ *Ҳамма пойгада маррага етай деб қолган чавандознинг ҳаяжони билан яшайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *У ўзини маррага етай деб қолган спортчидек сезиб, юраги ҳаприқди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Сафарнинг охирги ери; манзил, мазгил. *Карвон саҳар чоғида маррага етиб келди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Бирор ишнинг охири ёки олдиндан мўлжаллаб қўйилган ҳажми. *Турсунмат ака келгуси йили 40 центнерлик маррани кўзлаяпти.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Каноп экувчи хўжаликлар.. уч минг тонна каноп тайёрлаш маррасидан биринчи марта ўзиб кетдилар.* Газетадан.

4 *ҳарб.* Қўшин эгаллаб турган чегара, чизиқ, позиция. *Душман қўшимча кучлар келтириб, босиб олган маррани мустаҳкамлаяпти.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Маҳаллий аҳоли ёрдами туфайли биз, кишибилмас, ҳужум маррасини эгалладик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

5 Кесим вазифасидаги **-ники** қўшимчали сўз билан (асосан шахс олмошлари ёки шахс билдирувчи сўзлар билан) қўлланиб, ютуқ, ғалаба шу сўз англатган шахс(лар)га тегишли бўлишини билдиради. *Етиб кела олса, марра Салимники. Боплади, энди марра дўстингники.* ▬ *Агар бирор каттароқ идорада тузукроқ танишинг бўлса, марра сеники!* «Таниш башаралар». *Кеч деганда мартнинг биринчи ярмида чигитни экиб олсак, марра бизники.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

МАРС [*лот.* Mars – Рим мифологиясида: уруш маъбуди (худоси)нинг номи] (М – *катта) астр.* Қуёш системасидаги тўққизта катта сайёралардан бири, Қуёшдан кейин тўртинчиси; Миррих.

МАРСАЛА [*итал.* marsala] Узумдан қилинадиган ширин винонинг бир тури. *Бир шиша коньяк, бир шиша марсала ва чиройли вазага қубба шаклида терилган апельсин келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАРСЕЛЬЕЗА [*фр.* Marseillaise < Франциядаги Marseill (Марсель) шаҳри номидан] (М – *катта)* Француз буржуа инқилоби даврида – 1792 йилда ёзилган, кейинчалик Франциянинг миллий гимнига айланган инқилобий қўшиқ. *Марселликларнинг қуролли отрядлари янги революцион қўшиқни – «Марсельеза»ни айтиб борардилар.* «Янги тарих».

МАРСИЯ [*а.* مرثيه – мотам шеъри] Бирор шахснинг вафоти муносабати билан унинг хотирасига бағишлаб ёзилган мотам шеъри; Шарқ шеъриятидаги адабий жанр-

лардан бири. *Биз ўлим ва ғамгинликнинг марсиясини эмас, ҳаёт қўшиғини куйлашимиз керак!* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

МАРТ [*лот.* martius < Mars – Рим мифологиясидаги уруш худоси номи] Янгича йил ҳисобида учинчи ой.

МАРТА Саноқ сонлар ва сон-миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, шу сонга тенг такрорни билдиради. *Ойда бир марта чиқадиган газета. Хатни бир неча марта ўқидим. Шу гапни бир-икки марта эшитдим.* ▬ *Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми ё Сидиқжон «асти қўймагани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Гадойликдан ўлим яхши, минг марта яхши, – йиғлаб деди Шоқосим.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАРТАБА I [*а.* مرتبه – даража, босқич; қадр-қиммат, обрў; мавқе, ўрин] *айн.* **марта**. *Гулшанбону Худоёр хонлигининг иккинчи даврида ўз ҳусни билан бир неча мартаба хоннинг илтифотига сазовор бўлган ҳарам канизларидан эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАРТАБА II [*а.* مرتبه – даража; обрў; мавқе, ўрин] **1** Жамият ўртасида эришилган обрў, эътибор, нуфуз. *Шу-шу бўлди-ю, Норбувининг мартабаси ошиб, ҳар бир маъракa унинг маслаҳатисиз бўлмайдиган бўлиб қолди.* Ҳ. Шамс, Душман. *-Раҳмат, жон болам, эсон-омон бўлсанг бўлгани, тенгқуринг орасида мартабангни туширма, – деган эди онаси.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Мансаб, лавозим, амал. *Олий мартаба. Мартабага минмоқ.* ▬ *Келажакда ўғлининг катта мартабага эришмоғини умид қиларди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

МАРТАБАЛИ Мартабага эга бўлган; мансабдор, амалдор. *Соддадил овчининг ёлғон сўзлашга тили бормади. Ёлғон айтгани бухоролик баланд мартабали жанобдан қўрқди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

МАРТАЛАБ Саноқ сонлар ва сон-миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, ҳаракатнинг шу сўз билдирган сон-миқдорда бажарилганини билдиради. *Бир гапни минг марталаб қайтармоқ.*

МАРТЕН [француз металлурги P. Martin (П. Мартен) номидан]: **мартен печи** Чўян ва темир-терсакдан муайян кимёвий таркибли пўлат эритиб олинадиган печь. **Мартен пўлат** Мартен печида тайёрланган пўлат. **Мартен цехи** Мартен печларида пўлат тайёрланадиган цех.

МАРШ I [*фр.* marche – олға қараб юриш, ҳаракатланиш] **1** Сафда баравар қадам ташлаб юриш. *Тантана марши. Марш қилмоқ.*

2 Қўшиннинг ташкилий равишда юриш қилиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиши (пиёда ёки транспорт воситаларида). *Полк икки кунлик маршдан кейин бепоён, қалин бир ўрмонга ўрнашганича, узоқ вақт қолиб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Ҳарбий юришларда, парадларда иштирок этувчиларни руҳлантириш, уларнинг ҳиссиётига таъсир этиш мақсадида ёзилган мусиқа асари. *Зафар марши.* ▬ *Ёлғизликдан зерикиб, радиони қўйди. Аллақандай маршлар чалиняпти.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

МАРШ II [*фр.* marche] **1** Сафнинг юриш бошлаши учун бериладиган буйруқ, команда. *Олға марш!*

2 *с. т.* Йўқол, жўна. *Ҳозир уй-уйларингга марш!* Ойбек, О. в. шабадалар.

МАРШАЛ [*фр.* marechal] **1** *тар.* Советлар даврида алоҳида хизматлари учун олий қўмондонлик таркибидаги кишиларга бериладиган, генераллик унвонларидан юқори ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Авиация маршали. Артиллерия маршали.*

2 Баъзи давлатларда олий ҳарбий унвон ёки амал ва шу унвон ёки амалга эга бўлган шахс.

МАРШРУТ [*нем.* Marschrute < *фр.* marche – олға қараб юриш + route – йўл] Автобус, поезд, самолёт, қўшин ва кишиларнинг аввалдан белгиланган ва тўхташ жойлари тайин бўлган қатнов ёки сафар йўли; йўналиш. *Биринчи трамвай маршрути. Автобус маршрути. Туристик маршрутлар. Янги маршрут очмоқ. Тошкент – Москва маршрути.* ▬ *Бу йил туристлар 500 маршрут бўйлаб сафарга чиқадилар.* Газетадан. *«Текстилкомбинат – Эркин» маршрути бўйича қатнайдиган автобусни пойлайвериб, пассажирларнинг қимматли вақтлари зое кетарди.* «Муштум».

МАРШРУТЛИ Маршрут билан юрадиган, маршрути бўлган. *Маршрутли такси.*

МАРҒУБ [*а.* مرغوب – исталган; эҳтиёж сезилган; маъқул] *кт.* Кишига маъқул бўладиган, кўнгилга ёқадиган; матлуб, ёқимли. *[У] Вазифасини ишчи тили, ишчи ифодаси*

билан қишлоқиларча содда, марғуб, қизиқарли қилиб сўзлайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

МАРҲАБО [*а.* مرحبا – хуш келибсиз] **1** *унд. с., кт.* Ҳурмат, илтифот билан қаршилашни билдиради; хуш келибсиз, марҳамат. *-Марҳабо, марҳабо, – деди домла, чуқур самимият билан сўрашиб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Марҳабо (хотин-қизлар исми).

МАРҲАМАТ [*а.* مرحمت – раҳм-шафқат, раҳмдиллик; ачиниш; илтифот] **1** Раҳм-шафқат юзасидан кўрсатиладиган илтифот, ҳиммат, яхшилик. *Дўстларнинг марҳамати. Марҳамат кўрмоқ.* ▬ *-Агар менинг бу хизматим хон жанобининг марҳаматига лойиқ кўрилур экан, – деди ҳожи, – менга энг манзур бўлган мукофот ўғлимнинг озод қилинишидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хон ҳазратлари, фарзандимни, хонумонимни – ҳаммасини марҳаматингизга топширдим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *унд. с.* Таклиф ёки розилик билдирувчи сўз. *-Чексам майлими? -Марҳамат!* ▬ *[Майсара:] Қани, тақсирим, тўрга марҳамат!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 Марҳамат (хотин-қизлар исми).

МАРҲАМАТЛИ Раҳм-шафқат қилувчи, ҳиммат, илтифот кўрсатувчи. *Одобли ва марҳаматли кишиларнинг дўсти кўп бўлиб, ундан ҳамма намуна олади.* Газетадан. *Ёшлик қилибсан, марҳаматли подшоҳим ҳақини унутибсан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАРҲАМАТСИЗ Марҳамат қилмайдиган, марҳамат қилишни билмайдиган; ҳимматсиз; шафқатсиз. *Марҳаматсиз султон. Марҳаматсиз табиат. Марҳаматсиз жазо бермоқ.*

МАРҲАМАТСИЗЛИК Марҳаматсиз одамларга хос иш, хатти-ҳаракат; шафқатсизлик.

МАРҲУМ [*а.* مرحوم – раҳм-шафқат кўрсатилган; ўлган, ўлик (киши)] Вафот этган, ўлган киши. *Белбоғ олиб келган одам ўлим олдидан марҳумнинг нималар дегани.. бировни кўп тилга олганини сўзлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАРҲУМА Марҳум, ўлган аёл. [*Анвар:*] *Сен уял, уялма, бари бир, улар бизни жуфтлаштирадилар. Марҳума Моҳлар бибининг фотиҳаси ерда қолмас!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАСАЛ [*а.* مثل – намуна, андоза; ўхшашлик; рамзли ҳикоя] **1** Кишиларга ўгит бўладиган, хулосали, кичик мажозий ҳикоя. *Крилов масаллари. Ўзбек халқ масаллари.* ▬ *Тўпламда шоирнинг энг сара масаллари жамланган.* Газетадан.

2 *эск. кт.* Матал; мақол. *Кўйида мен тош бошимни урмаган остона йўқ. Элда бор шундай масал: жон чекмасанг, жонона йўқ.* Э. Воҳидов.

МАСАЛА [*а.* مسأله – сўроқ, савол; муаммо; илтимос] **1** Муҳокама, мунозара билан ҳал этилиши лозим бўлган нарса, иш, вазифа, муаммо. *Уй-жой масаласи. Иқтисодий масала. Ҳаёт-мамот масаласи. Масалани ҳал қилмоқ.* ▬ *Қўйилган масала икки кун давом этган семинар йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Икки чол.. ўзларини ташвишга солган муҳим масалага ҳам жавоб топмаганлар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Баҳс, муҳокама, мунозара ва ш. к. мавзуи. *Масала яна хат устига ўтиб, Отабек қушбегидан сўради: -Қўлингиздаги мактуб билан, эҳтимол, биз оқланган чиқармиз?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампир бўлсак ҳам, мажлисга масала бўлиб ўтирибмиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Нотиқ Ўрта Осиёда туб олтин конлари ва уларни ўрганиш масалалари устида тўхталди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Умуман, бирор шахс ёки нарса билан боғлиқ бўлган, назар-эътиборда турган иш, гап ва ш. к. *Ҳозиргина ўйлаб турган жўнаш масаласи ҳам унинг эсидан чиққан.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Бунинг масаласи осон, оқсоқол, – деди Содиқ аминга, унинг ўйга толиб турганини кўриб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Эртагаёқ масалангизни деканатга қўямиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Механизатор кадрлар тайёрлаш масаласи кенг йўлга қўйилган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 *мат.* Маълум сонлар ва тегишли муносабатлар асосида номаълум сонларни топиш ҳақидаги математик вазифа. *Масалалар тўплами.* ▬ *Доскага бир масала ва иккита мисол ёзилгач, баъзи билағон болаларнинг чеҳраси ёришиб кетди.* Ф. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Масалани тўғри ечди-ю, оққа кўчираётганда, вақт тугаб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 Диний мавзудаги тортишув, мунозара ёки ваъз. *Масала айтишмоқ.* ▬ *Нима учун-*

дир [*Ҳусайн Бойқаро*] *шайхулисломдан шариатга доир бир масалани сўради.* Ойбек, Навоий.

Масала талашмоқ Бирор масала юзасидан баҳслашмоқ, баҳс юритмоқ. *Бугунги ишчи.. ўз соҳасининг билимдони бўлган инженеру техниклар билан баҳслашишга, масала талашишга қодир.* Газетадан.

МАСАЛАН [*а.* مثلاً – мисол, намуна учун, мисол тарзида] *крш. с.* Фикрнинг тасдиғи учун келтириладиган факт, мисол олдидан қўлланади; мисол учун, чунончи, жумладан. *[Раҳмат:] Ўтиришга бегона кишилар ҳам айтилса мумкинми, озор чекмасмисиз? Чақирилганда ҳам ўзимизга яқин ва аҳил кишилар бўлур. Масалан, Мирзакарим қутидор каби.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баъзи жиҳатдан, масалан, илдамликда бу йигитни ўзидан устун кўрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСАЛАХОНЛИК *дин.* Масала айтишув, тортишув. *[Уламо, мударрис, аъламлар] Арзимаган нарса устида масалахонлик қилиб, бирбирлари билан талашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСАЛЛИҚ 1 Умуман, бирор таом, егулик тайёрлаш учун ишлатиладиган нарса. *Қани, Олтиной билан Латофатхонга масаллиқ беринг, қийма тайёрлашсин.* Ё. Шукуров, Уч савол. *Бироқ хамир таомларнинг асосий масаллиғи буғдой уни ҳисобланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 Овқат пишириш учун зарур бўлган, керакли миқдордаги маҳсулот. *Бир ошлик масаллиқ. Янгамнинг ошини ширин қилган акамнинг масаллиғи.* Мақол. ▬ *-Масаллиқ яхши: ўша гўшт, ўша гуруч – деди Элчибек, – лекин овқатни оғизга олиб бўлмайди.* А. Мухтор, Туғилиш.

МАСАЛНАВИС [масал + *ф.* نویس – ёзувчи] Масал ёзувчи адиб, масалчи.

МАСАЛЧИ *айн.* **масалнавис**. *Машҳур масалчи И.А. Крилов бировникида ижарада турар экан.* «Шарқ юлдузи».

МАСДАР [*а.* مصدر – манба, келиб чиқиш; феълнинг ноаниқ шакли] **1** *тлш.* Феълнинг араб тилига хос инфинитив шакли.

2 *эск. кт.* Бирор нарсанинг содир бўлиш, келиб чиқиш ўрни, бошланиши, боши.

МАСЖИД [*а.* مسجد – сажда қилинадиган, намоз ўқиладиган жой, мачит; ибодатхона**]** Мусулмонларнинг жам бўлиб, намоз ўқийдиган ибодатхонаси. *Маҳалла масжидида хуфтон азони айтилди, шундан бир оз кейин Раънолар дарвозаси ҳам ғиқиллаб очилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАСКА [*фр.* masque < *лот.* mascus – юзга тўсиладиган, кўриш тешиклари бўлган ниқоб] I **1** Юзга тутиладиган, одам ёки ҳайвон қиёфаси тасвирланган махсус ниқоб.

2 Ўзини танитмаслик учун (маскарад ва ш. к. томошаларда) юзнинг юқори қисмини беркитадиган, кўз учун икки тешик очилган махсус парда. *Қора маска. Маска киймоқ.*

3 Ҳимоя учун юзга (оғизга, бурунга) тутиладиган махсус мослама. *Противогаз маскаси. Жарроҳ маскаси.*

4 Ўлган одамнинг юзидан гипс (ганч) воситасида олинадиган қуйма нусха, тасвир.

5 Косметикада; юз ва бўйин терисини яхшилаш, парваришлаш учун маълум нарсалар аралашмасидан тайёрланган пардоз воситаси.

6 Қиличбозлик, хоккей ва б. спорт турларида спортчининг юзини жароҳатлардан сақловчи ҳимоя анжоми.

МАСКА II *шв.* Сариёғ. *-Гулнор, сув келтир! Маскани айрондан ўзим ажратаман.. – деди хотин.* С. Айний, Дохунда.

МАСКАН [*а.* مسكن – тураржой, ўрин**]** *кт.* **1** Тураржой, яшайдиган жой, макон. *[Қозикалон:] Мадрасадан асар ҳам йўқ, динсизлар маскани бу.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Умуман, жой, макон. *Ҳадемай, билим масканларида биринчи қўнғироқ жаранглайди.* Газетадан. *Ажаб экан санъат маскани, Суратларга бўлдим маҳлиё.* «Гулдаста».

Маскан қурмоқ (*ёки* **тутмоқ**) Жой (макон) қилмоқ. *Мана бу ерда абадий маскан қурган мўминларнинг ичида такаббури йўқми?,* С. Сиёев, Аваз. *Чўлга илк кетмон урилганидан бери шу ерни маскан тутганлар ҳам бор.* Газетадан.

МАСКАРАД [*фр.* mascarade < *итал.* mascherata < *а.* مسخره – ниқоб, парда] Маска, ниқоб ва махсус кийимлар кийиб ўтказиладиган сайил. *Авжга чиқиб ўйин-кулги, Давом этар бал-маскарад.* «Ёшлик».

МАСКИРОВКА [*фр.* masquer – маска киймоқ, ниқоб билан беркинмоқ] *ҳарб.* Қўшинлар ва ҳарбий иншоотларни душман кўзидан паналаш, кўринмайдиган, билинмайдиган қилиб яшириш ва шу йўл билан душманни алдаш. *Тўпларни маскировка қилмоқ. Маскировка ишлари.*

МАСКОВЧИ *с. т. тар.* Ўтмишда Москва билан савдо алоқасида бўлган йирик савдогар. *Нури гўё ўз-ўзига сўзлаган каби минғирлади: -Бойликларингга ишонгим келмайди. Номларинг масковчи бой бўлиб тарқалганига ҳайронман.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСКУН [*а.* مسكون – аҳоли жойлашган, одам яшайдиган]: **рубъи маскун** *қ.* **рубъ**.

МАСЛАК [*а.* مسلك – йўл, йўналиш; ҳаракат тарзи; эътиқод] **1** Ўзига хос ақидалари билан бошқалардан ажралиб турувчи ижтимоий, сиёсий, илмий ёки диний йўл, оқим. *..қарашлар ва маслакларнинг сарқитлари айрим кишиларнинг онгида бир-бирига тўқнаш келиб, бир-бири билан тўқнашмоқда.* Газетадан.

2 *кўчма* Ғоя; мақсад. *Мен ишлаётган Ўзбекистон инженер- техник изланишлар давлат институтида турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Улар бир маслак, бир ғоя йўлида изланишлар олиб боришади.* Газетадан.

МАСЛАКДОШ Маслаги бир бўлган, бир маслакдаги; ҳаммаслак. *Жомбойдаги реакцион гуруҳ Самарқанддаги маслакдошлари билан дарҳол тил топишди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

МАСЛАКСИЗ 1 Муайян маслаги, ақидаси бўлмаган.

2 Муайян ғоя-мақсади бўлмаган; мақсадсиз, ғоясиз. *Маслаксиз одам.*

МАСЛАҲАТ [*а.* مصلحت – умум манфаати; фойда] **1** Бирор ишни қандай қилиш ёки умуман нима қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ тарзидаги фикр, мулоҳаза. *Яхши маслаҳат. Маслаҳат бермоқ (қилмоқ). Маслаҳат сўрамоқ (қилмоқ).* ▬ *Менинг фикримча, чигит экишда ҳосилот отанинг маслаҳатига кўниш керак эди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Бу маслаҳат Сидиқжонга ҳам маъқул тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Умид.. академик Отабоев ҳовлисига ҳам бир неча бор бориб, ўз ишига доир маслаҳатлар олди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Тавсия, таклиф тарзидаги гап. *Гапга қулоқ солинг, сизга маслаҳатим – бўлар-бўлмасга куйиб-пишаверманг.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сизга менинг маслаҳатим – Андижонда кўп турманг.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Кенгаш, фикр олишиш. *Маслаҳат билан бўлган иш бузилмас.* Мақол. ▬ *Якшанба куни қариндош-уруғлар маслаҳатга тўпланишди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Моҳидил маслаҳат йиғинида баъзиларнинг Ҳошимжондан норози бўлганини кўз олдига келтирди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бундоқ маслаҳат мажлисларини ҳам уюштириш ўз вазифаси.. деб ўйларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Маслаҳат кўрмоқ Бирор фикр-мулоҳазани маъқул топмоқ ва тавсия этмоқ. *«..хон бу ишни маслаҳат кўрсалар, биз ёрдамга ҳозирмиз» деган қуруқ ваъдалар билан жавоб мактуби олинган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сиз устозга яна бирон шикаст етмаслигини ўйлаб, Хуросондан чиқиб кетишингизни маслаҳат кўрамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Малаҳат оши** *этн.* Тўй ёки бошқа маросимни ўтказиш олдидан маҳалладаги оқсоқоллар, қўни-қўшни ва қариндош-уруғлар учун йиғин ўтказиб бериладиган ош. *Маслаҳат ошидан кейин энг катта ва муҳим иш тўй эмас, янги уйга кўчиб кириш бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Маслаҳат солмоқ** Маслаҳат тарзида ўз-фикр мулоҳазасини айтмоқ, ўртага ташламоқ; кенгашмоқ. *Кекса уста ўғилларини тўплаб, маслаҳат солди.* С. Сиёев, Аваз. *Ойимга хархаша қилаверган эдим, ойим бувимга маслаҳат солди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Маслаҳат қилмоқ** Маслаҳатлашмоқ. *Аммо олти овсин ҳар куни пичирлашиб, ниманидир маслаҳат қилишарди.* С. Аҳмад, Келинлар қўзғолони. *Қурбон ота.. ўз тенгқурларини йиғиб, ишни қачон ва қандай бошлаш тўғрисида маслаҳат қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Маслаҳатни бир ерга қўймоқ** Маслаҳатлашиб, бир фикрга келмоқ. *Она-бола туни билан ҳасратлашиб, охири маслаҳатни бир ерга қўядилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАСЛАҲАТГЎЙ [маслаҳат + *ф.* گوی – айтувчи] Маслаҳат берувчи киши. *У.. йигитдай чаққон, ҳар бир ишда маслаҳатгўй, барча катта-кичик «тоға» деб ҳурматлайдиган Юсвали чол эди..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бирон тайинли хулосага келолмагач, паналаб, маслаҳатгўй Азим бойваччанинг қўрғонига жўнади..* С. Аҳмад, Ҳукм.

МАСЛАҲАТЛАШМОҚ Ўзаро ёки бирор киши билан маслаҳат қилмоқ; кенгашмоқ. *Ўқувчиларнинг қарийб ҳаммаси камбағалларнинг болалари бўлгани учун, Ғуломжон отаонаси билан маслаҳатлашиб, уларга ҳар кун иссиқ овқат қилдириб бериб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *..йўлдошларим билан маслаҳатлашай, бундан сўнг сиз жанобга ўз фикримни айтаман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАСЛАҲАТЛИ Маслаҳат, кенгаш билан қилинган, маслаҳатлашиб, кенгаш билан битадиган. *Маслаҳатли тўй бузилмас.* Мақол. *Маслаҳатли ош ачимас.* Мақол. *Маслаҳатли тўн тор келмас.* Мақол. ■ *..бирор маслаҳатли иш чиқиб қолгудай бўлса, раис энг олдин Шербекка одам югуртиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАСЛАҲАТОМУЗ Маслаҳатга ўхшаш, маслаҳат тарзида(ги), йўсинида(ги). *-Кўз ёшидан фойда йўқ, кеннойи, — деди Муса маслаҳатомуз.* Н. Фозилов, Дийдор. *Кампирнинг маслаҳатомуз гапларидан андак баҳраманд бўлиб.. осонгина ўтадиган сабаби тириклик андишасига тушдим.* Ғайратий, Довдираш.

МАСЛАҲАТЧИ 1 Маслаҳат берувчи. *Иш битгач, маслаҳатчи кўпаяди.* Мақол. ■ *Чойхонада учраган маслаҳатчилардан бири жуда ғалати одам чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Агроном — деҳқоннинг энг яқин маслаҳатчиси.* Газетадан.

2 Бирор идорада, муассасада ёки бирор лавозимли шахс ҳузурида маслаҳат бериш вазифасида ишловчи ходим. *Элчихона маслаҳатчиси. Ҳарбий маслаҳатчи.*

Халқ маслаҳатчиси *ҳуқ.* Халқ судларида кўриладиган ишларда қатнашиш учун сайланган жамоат вакили. *Халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддатини уч йилдан икки йилгача камайтириш мўлжалланади.* Газетадан. *..қайсидир суд бўлимида хотин-қизлар ва оила ишлари бўйича халқ маслаҳатчиси, жамоат қораловчиси бўлиб ишлайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

МАСНАВИЙ [*а.* مثنوی — қўшалоқ, икkилик; икки мисрали шеър шакли] Ҳар бир байтининг мисралари ўзаро қофиядош бўлган ва байтдан байтга қофиялар янгиланиб борадиган шеър шакли. *Танбур чертмоқ Мутрибга, маснавий айтмоқ Табибийга чиқарилган асли!* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАСНАД [*а.* مسند — курси; суянчиқ; ёстиқ; мартаба] *эск. кт.* **1** Юқори мартаба, ўрин, амал. *Нодон Анвар ўрдадан қувланиш ерида сармуншийлик маснадига минмоқчи!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Акбарали мингбоши, мана ўн уч йилдан бери шу маснадида ўтиради.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 *кўчма* Таянч; асос. *Архимед: «Менга маснад нуқтаси берингиз, ўз маневалам (ричаг, пишанг) билан ерни кўтараман», деган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАСОКИН [*а.* مساكن — «мискин» с. кўпл.] Мискинлар, бечоралар. *Соҳибқирон аввал авлиёларнинг мозорини тавоф қилди ва фуқаро ва масокинларга кўп садақалар берди.* «Фан ва турмуш».

МАСОФА [*а.* مسافه — оралиқ, узоқлик] Икки нарса, икки нуқта оралиғи, бир ердан иккинчи ергача бўлган оралиқ. *Шаҳарлар орасидаги масофа.* ■ *Ўрдагача бир ярим чақирим чамаси йўл бўлиб, Султонали бу масофани ўн беш дақиқа ичида босди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..босиб ўтган йўл беш чақиримга ҳам етмаган бўлса-да, назарида, олам-жаҳон масофа ортда қолгандек туюлди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МАСОФАВИЙ Узоқ масофадан туриб бўладиган, олиб бориладиган. *Масофавий ўқитиш.*

МАСОҲА [*а.* مساحه — фазо, майдон, ҳудуд] *эск. кт.* Ер, майдон.

МАСРУР [*а.* مسرور — хурсанд, шод] *эск. кт.* Шод, севинган. *Бўлиб файз узра файзу нур уза нур. Ҳамма меҳмону мезбон бўлди масрур.* Ҳабибий. *Олам тўла қуёш, қалбинг тўла нур. Ойдин бир замонда яшайсан масрур.* Э. Воҳидов. *Уйи уйимизга қарама-қарши. Қўшним балконига масрур боқаман.* Ҳ. Пўлат.

МАСРУРЛАНМОҚ *кам қўлл.* Шодланмоқ, хурсанд бўлмоқ, шод бўлиб ғурурланмоқ. *Ўша ҳодисани эсласа, Эрназар полвон ҳануз масрурланади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

МАССА [*лот.* massa — бўлак, парча] **1** *физ.* Механиканинг энг муҳим физикавий хоссаларидан бири; материя (жисм)нинг инертлик ва гравитацион хоссаларини ифодалайдиган физик катталик. *Масса билан бир қаторда энергия ҳам физика фанининг асосий тушунчаларидандир.* «Фан ва турмуш».

2 *махс.* Яхлит ёки бўтқасимон жисм ёки модда. *Амударё суви лойқа. У каналдан оқа бошлагач, унга лойқа ўтириб, берч массага айланади.* Газетадан. *Муз массасининг қалинлиги аниқроқ ўлчанди.* Газетадан.

МАССАЖ [*фр.* massage < *а.* مس — тегиш, уриниш; қўл тегизиш] Тана ёки бирор аъзога даво ёки гигиеник мақсадда махсус усулда механик таъсир этиш (силаш, уқалаш, ийлаш, қоқиб қўйиш каби усуллар билан амалга оширилади). *Тўрт гуруҳнинг ҳар қайсисида алоҳида врачлар, массаж кабинетлари мавжуд.* Газетадан. *Шунингдек,*

массаж муолажаси, шапатилаш баъзиларга оғриқли туюлса, бошқаларга малҳамдек туюлади. «Фан ва турмуш».

Массаж қилмоқ Массаж муолажасини бажармоқ, қилмоқ. *Массаж қилаётган ўнг қўлининг ташқи томони билан пешонасига тушган сочини юқорига бурди.* С. Кароматов, Олтин қум.

МАССАЖЧИ Массаж қилувчи ходим. *..ажойиб массажчимиз бор. Қўл-оёғингизни уқалаб ҳам қўяди, қушдек енгил бўлиб чиқасиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

МАССИВ [*фр.* massif – оғир вазнли < *лот.* massa – бўлак, парча] **1** Тоғлик, чўл ва ш. к. жойлардаги текис, яхлит қисмлар. *Шўрўзак массиви, унинг биринчи забткорлари ҳақидаги ҳикоя ҳамроҳимизни ниҳоятда қизиқтириб қолди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ярим аср мобайнида чўлдаги жуда катта массивлар ўзлаштирилди.* Газетадан.

2 Географик хусусиятлари ва умумий манзараси бир хил бўлган яхлит жой. *Сув массивлари. Ўрмон массивлари. Тоғ массивлари.*

3 *қ.* **даҳа**. *..шаҳримизда янгидан-янги турар жой массивлари, микрорайонлар вужудга келди.* Газетадан.

МАСТ [*ф.* مست – кайфи бор, ҳушёр эмас] **1** Ичкилик ёки наша, қорадори ва ш. к. таъсирида кайф қилган, кайфи бор. *Маст одам. Бир мастга тегма, бир – жиннига.* Мақол ▬ *Тантибойвачча анчагина маст бўлиб, оғзига келганини валдирашга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозиргина кулиб турган маст Комил бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди-да, тили гапга келмай ғўлдиради.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Жинс жиҳатидан уйғонган; куйиккан. *Девсифат киши.. маст бўлган туядай, оғиз кўпиртиб келар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Қаттиқ таъсирланиб, завқланиб кайф қилган, нашъага чўмган. *Йигит шифтга қараб ётганича, ширин орзуларга маст бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У қўшиқ куйлади ёр шаънига маст, Шўхчан шеърлар айтди севги номидан.* А. Орипов.

МАСТАВА [*ф.* مستابه – қурт, юмалоқланган сузма < ماست – қатиқ + آب–сув] Гуруч, гўшт ва сабзавотлардан пишириладиган суюқ ош (одатда қатиқлаб ичилади). *Узоқ йўл босиб келдим, серқатиқ, аччиққина маставани кўнглим тусаб турган эди, чақирдим.* «Муштум».

МАСТАК I [*ф.* مستک – заҳарли ўт номи] Ғалла экинлари орасида ўсадиган, дони заҳарли, бир ёки кўп йиллик ёввойи ўт. *Бир неча йил давомида Ўзбекистоннинг турли районларида мастак ўсимлигининг уруғларини тўпладим.* «Фан ва турмуш».

МАСТАК II Какликнинг модаси. *Сувонжоннинг қўлида қафас.. Ичида типирчилаётган нарса мастак каклик.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАСТ-АЛАСТ 1 Ўзини билмас даражада маст, қаттиқ маст (*қ.* **маст 1**). *Тўйда маст-аластнинг кўплиги устани беихтиёр бир хўрсинтирди.* Мирмуҳсин, Созанда.

2 *қ.* **маст 3.** *Дўнгларда, сайҳонларда кўклам, гуллар очилишидан қушлар маст-аласт..* Миртемир.

МАСТЕР [*нем.* Meister, *ингл.* master < *юн.* mastoras – уста, устоз; ҳунарманд] **1** *қ.* **уста 1**. *Ростов шаҳрига келиб, заводга киради, мастерларнинг қўлида шогирд бўлиб ишлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Директор телефон қилиб, иккинчи цехнинг мастерини чақирди.* «Гулдаста».

2 *қ.* **уста 2.** *Спорт мастери.*

МАСТЕРОВОЙ [«мастер» с. дан] *тар.* Чор Россияси даврида рус ҳунарманд ишчиси. *Ҳокимнинг боғида икки мастеровой битта миршабни ўлдириб кетибди.* А. Мухтор, Опасингиллар. [*Қоратой:*] *Агар ўрис мастеровойлари шу фикрда бўлса, биз ҳам шунга қўшиламиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСТЕРСКОЙ [«мастер» с. дан]**1** *қ.* **устахона**. [*Петров*] *Икки йил илгари Тошкентга келиб, темир йўл мастерскойларида ишлай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСТИКА [*юн.* mastika < mastiche – қорамой, смола] Техника ва қурилишда, мас., тирқишлар, ёриқларни беркитиш, пол ювиш ва артишда ишлатиладиган, турли таркибли қуюқ мумсимон модда.

МАСТИТ [*юн.* mastos – кўкрак, эмчак] *тиб.* Сут безларининг яллиғланиши.

МАСТЛИК Маст ҳолат; кайф. *Мастлик қурсин, тоза машмаша қилибман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Безорилик каби жиноятлар деярли доим мастликда рўй беради.* Газетадан.

МАСТОН [*ф.* مستان – мастлар; мастларча] 1 Мастона, хумор. *Ё енгарман, ёки кетар бу жоним. Боқмаса ҳам майли кўзи мастоним.* «Қўшиқлар».

2 Мастон (хотин-қизлар исми).

МАСТОН II *фольк.* Айёр, жодугар (хотинлар ҳақида). *Хабардор бўл. Ширвоннинг кўп мастони, Мастонлардан хабардор бўл, Равшанжон!* «Равшан».

МАСТОНА [*ф.* مستانه – мастлик билан, маст ҳолда] *поэт.* **1** Мастларча, мастлар каби. *У бир мастона чайқалиб турган шогирдига, бир ҳайратда қотиб қолган Пири Букрийга, бир Маликул шаробга қаради.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 Ақлни оладиган даражада гўзал, чиройли, хумор. *Мастона кўзлар.*

МАСТУРА [*а.* مستوره – беркитилган, пардаланган; бокира] **1** Иффатли, соф, покиза, маъсума.

2 Мастура (хотин-қизлар исми).

МАСХАРА I [*а.* مسخره – эрмаклаш, мазах, ҳазил объекти; ниқоб] Камситувчи, кулги қилувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат; мазах, эрмак, кулги. *Бу сўзлар қўрбошига масхара бўлиб туюлди. У оғзидан кўпиклар сочди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Фотима масхара ва мазахларга чидай олмади, титраб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Масхара қилмоқ Камситувчи, эрмак қилувчи, мазахловчи гап-сўз, хатти-ҳаракат қилмоқ; масхараламоқ. *Ашур мени масхара қилаётганини сезиб, оёқ-қўлим бўшашиб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

МАСХАРА II *с.т.* Қизиқ гап-сўз ва ҳаракатлар билан одамларни кулдирувчи; қизиқчи, масхарабоз. *Тўла масхара анъаналарини ўғли Мулла гадой, шогирди Сафар масхара Абдуллаев давом эттирди.* «ЎзМЭ». *Бухоро анъанавий театрида Зариф, Тўла, Мизроб, Эргаш исмли масхаралар шуҳрат қозонган.* «ЎзМЭ».

МАСХАРАБОЗ 1 Томошахоналарда, сайилларда ва умуман халқ кўп тўпланган жойларда томошабинларни кулдирадиган ўйинлар кўрсатувчи қизиқчи, артист. *Цирк масхарабози.* ▬ *Бошқа бир жойда масхарабоз қизиқчилар ўйин кўрсатмоқдалар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *От устида виқор билан турган «ҳазрат» ҳалиги ерсиз деҳқон қиёфасидаги масхарабозни дарра билан бир туширди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *айн.* **найрангбоз.** *У бир тўп масхарабоз орасида калака бўлгандек қизариб, вагонга яқинлашди.* «Ёшлик».

МАСХАРАБОЗЛИК 1 Масхарабоз иши, хатти-ҳаракати. *Дор остида қизиқчилар масхарабозлик қилмоқда.*

2 *снт.* Оғзаки драматургия асосида фаолият кўрсатган ўзбек анъанавий театри; қизиқчилик. *Масхарабозлик анъаналари, воситалари маълум даражада янги шаклдаги ўзбек театрида ўзлаштирилди.* «ЎзМЭ».

3 *айн.* **найрангбозлик.** *Бир неча минутдан кейин Ғуломжон мингбоши олдида турар, бу масхарабозликка ҳали-ҳали тушунолмай, тажанг бўлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАСХАРАЛАМОҚ Масхара, мазах қилмоқ, кулмоқ. *Кечаси подшо афандини масхаралаш учун унинг отининг пастки жағини кесиб қўйди.* «Латифалар». *Унинг сўз оҳангида қанча масхаралаш бўлса, шунча таҳқирлаш ҳам бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАСХАРАЛИ Масхара ифодалайдиган: истеҳзоли. *Афғон чойфурушнинг бундай масхарали пичинглари ярим соатдан бери давом этарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..кўринишда самимий, лекин аслида сохта ва масхарали товуш билан Йўлчининг онасини ва укаларини сўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСХАРАОМУЗ Масхара аралаш, масхара билан, истеҳзоли. *Масхараомуз кулги.* ▬ *-Ҳа, қаёққа бормоқчисиз яна? – деди Тожибой масхараомуз.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бошлиқнинг масхараомуз кулгиси Солиҳовга қаттиқ таъсир қилди.* Н. Аминов, Суварак.

МАСХУР [*а.* مسخور – масхараланган] *кт. кам қўлл.* Масхара қилинган, масхара бўлган, хўрланган. *Сиздек хоин дажжоллардан масхур халқ қутулурми!* Ҳамза.

МАСШТАБ [*нем.* Maßstab < Maß – ўлчов + stab – таёқ] Жойнинг, нарсанинг ҳақиқий ўлчами билан унинг картадаги, пландаги, чизмадаги, аэрофотосуратдаги кичрайтирилган ёки катталаштирилган ўлчами ўртасидаги нисбат. *Масштаб 1 : 10. Кичрайтирувчи масштаб. Масштаб линейкаси.*

МАСЪУД [*а.* مسعود – бахтли, саодатли] **1** *кт.* Бахтли, саодатли. *Эсини танигандан бошлаб онаси билан кечирган замонлар масъуд, лекин қайтарилмас бир туш каби Йўлчининг кўз олдидан бир-бир ўтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кампир иягига ҳассасини тираб, ўша масъуд ва машъум тунлар оғушида сингиб кетди.* С. Аҳмад, Ўйлар.

2 Масъуд (эркаклар исми).

МАСЪУЛ [*а.* مسئول – жавоб берувчи, жавобгар] **1** Масъулият юклатилган, жавобгарлиги зиммасида бўлган; жавобгар. *Масъул ходим. Масъул муҳаррир.* ▬ *Бир инсоннинг тақдири ҳал бўлаётган пайтда масъул одам ўз хаёлига ғарқ бўлиб ўтирса.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси.

2 Масъулияти бор, масъулиятли. *Билмаски, кўп масъул хизмат инсонлик. Яхшилик қилмаслик ўзи ёмонлик.* М. Шайхзода. *Абдуқодир ота пенсионер, икки ўғли жуда масъул ишда ишлайди.* Мирмуҳсин, Супургига сажда.

МАСЪУЛИЯТ [*а.* مسئوليّت – жавобгарлик, ҳисоб беришлик] Бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарлик. *Масъулият юкламоқ. Масъулиятни ўз устига олмоқ. Масъулият сезмоқ. Масъулиятга тортмоқ.* ▬ *Халқ номзодлари ўзларининг интизомлилиги, юксак масъулият ҳисси билан ажралиб туради.* Газетадан.

МАСЪУЛИЯТЛИ Масъулияти бор, масъулият талаб қиладиган. *Масъулиятли вазифа. Масъулиятли пайт.* ▬ *Масъулиятли топшириқ кўпинча Нурматов бўлинмасига топширилар эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Озуқа тайёрловчилар учун масъулиятли дамлар бошланди.* Газетадан.

МАСЪУЛИЯТСИЗ 1 Масъулияти йўқ, масъулият талаб қилмайдиган. *Масъулиятсиз иш.*

2 Масъулиятни, жавобгарликни сезмайдиган, ишга масъулият билан қарамайдиган; бепарво. *Масъулиятсиз киши. Масъулиятсиз бўлмоқ.*

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК Масъулиятсиз муносабат. *Қурилиш ишларидаги бундай хўжасизлик, масъулиятсизлик.. қачонгача давом этади?!* «Муштум».

МАСЪУЛЛИК *айн.* **масъулият.** *Онгли интизом, умумий иш учун масъуллик туйғуси меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бермоқда.* Газетадан.

МАТА *с. т.* Мато, газлама. *Ип мата.* ▬ *Тушимда онам оппоқ матага чулғанган.. қия боқмай кетяпти.* Ойбек, Қуёш қораймас.

МАТАЛ [*а.* متل] **1** Тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора, ҳикматли сўз (мас., «қизил қор ёққанда», «туянинг думи ерга текканда»).

2 Қисса, масал. *Қулмуроднинг маталдек бўлиб эшитилаётган дард-аламли ҳикояси остида Шокир қачонлар уйқу дарёсида ғарқ бўлган эди.* С. Айний, Қуллар.

МАТАМОҚ Бир бирига боғлаб бириктирмоқ, бирлаштириб боғламоқ. *Уҳам тўрт отни бир-бирига матаб, ошпаз узатган яримта зоғора кулчани катта-катта тишлаганча, йўлга тушарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Барини йиғиб, отларига матаб кетишди-да! ..Бойсунга энсакми, деб ўйлашиб ўтириб эдик.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

МАТАШМОҚ Бир бирига ўралашиб, боғланиб қолмоқ. *Рўпарадаги ток, олча дарахтлари қалин шох отиб, бир-бирига маташиб кетибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

МАТБАА [*а.* مطبعه – босмахона, типография] *айн.* **босмахона.** *Тошкент матбааси. Матбаа хатоси.* ▬ *Кечаги ибтидоий тошбосмалар ўрнида бугун қудратли матбаа машиналари ишлаб турибди.* Газетадан. *Матбаада ишлаётган дўстларингиз ўз улушларини қўшиб.. бериб юборишди.* К. Яшин, Ҳамза.

МАТБААЧИ *кам қўлл.* **1** Босмахона (нашриёт) ходими, ишчиси; босмахонада ишловчи киши. *Республикамиз матбаачилари газета-журналларнинг ўз вақтида чиқишини таъминлаш борасида кўп иш қилмоқдалар.* Газетадан.

2 *эск.* Босмахона эгаси.

МАТБААЧИЛИК Матбаа иши, ноширлик, нашриётчилик. *Матбаачилик ишлари дастлаб Тошкентда вужудга келиб, кейин Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларига тарқалди.* «Фан ва турмуш».

2 Босмахона, матбаа иши.

МАТБУОТ [*а.* مطبوعات – босма асарлар, нашрлар] **1** Саноатнинг босма асарлар чиқарадиган тармоғи, нашриёт ва босмахона ишлари. *Ўзбекистонда матбуотни ва унинг моддий-техника базасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар беқиёс катта.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Босма асарлар; газета, журнал, китоб ва ш. к. мажмуи. *Чет эл матбуоти.* ▬ *Ичимизда шеър, хабар, мақола, ҳатто очерк, ҳикоялари билан матбуотда танилганлар ҳам бор.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

Вақтли матбуот *қ.* **вақтли. Матбуот бюроси** 1) қурултой, конференция, кенгаш, халқаро музокара ва ш. к. вақтида матбуотга материал, хабар бериб туриш учун тузилган муҳаррирлар ва мухбирлар ҳайъати; 2)

матбуот, телеграф, ахборот агентликлари ва б. ташкилотлар қошидаги, матбуотни тайёр мақола, хабар ва бошқа материаллар билан таъминлаб турувчи доимий бўлим. **Матбуот конференцияси** Давлат, илм-фан, маданият ва б. соҳа арбобларининг кенг оммани қизиқтирувчи масалалар бўйича вақтли матбуот ходимлари билан учрашуви, суҳбати. *Матч бошланиши олдидан унинг иштирокчилари бир неча матбуот конференцияси ва суҳбатлар ўтказдилар.* Газетадан.

МАТЕМА́ТИК Математика олими, мутахассиси. *Буюк математик, астроном ва географ.. Муҳаммад ал-Хоразмий* VIII *аср охири* — IX *асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди.* «Фан ва турмуш».

МАТЕМАТИ́К Математикага оид, математика қоидаларига асосланган. *Математик формула. Математик лингвистика.*

МАТЕМАТИКА [*юн.* mathematike < mathema — билиш; илм, фан] Объектив борлиқдаги миқдорий нисбатлар ва фазовий шаклларни ўрганадиган, аниқ мантиқий мушоҳадаларга асосланган фан. *Олий математика. Амалий математика. Математика муаллими.*

МАТЕРИАЛ [*лот.* materialis — моддий, ашёвий] **1** Бирор мақсад учун керакли хомашё, модда. *Қурилиш материаллари. Бодомнинг ёғочи дурадгорлик ва ускунасозлик учун яхши материал ҳисобланади.* ▬ *Заргар материалнинг конструктив ва эгилувчанлик имкониятини.. яхши билиши керак.* Газетадан.

2 Асос ёки далил вазифасини ўтайдиган маълумот, манба ва ш. к. *Илмий иш учун материал тўпламоқ.* ▬ *Ўзбекистонлик жангчи йигитларнинг партизанлар ҳаракатига қўшилиб, шафқатсиз жанг олиб борганликларини архив материаллари асосида ўрганиб, жонлантирдим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Умуман, бирор нарса ҳақида мавжуд бўлган, тайёрланган, эълон қилинган нарса. *Журнал саҳифаларидан ўрин олган материалларнинг ҳаммаси ҳам бир савияда эмас.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Баъзан идорада газета учун материал тайёрлаш қийин бўлганидан, Мустаҳкам аканинг чойхонасида кечалари материал ишлаб, эрталаб ишга келардим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Газлама, мато. *Костюмбоп материал. Шимлик материал.*

МАТЕРИАЛИЗМ [*фр.* materialis — моддий] **1** *флс.* Идеализмга қарама-қарши ўлароқ, материянинг, объектив борлиқнинг бирламчилигини, унинг кишилар иродаси, руҳи, онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини, руҳ, онгнинг эса иккиламчилигини, объектив борлиқ ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини таъкидлашга асосланган фалсафий йўналиш, оқим.

2 *с. т.* Борлиққа, ҳаётга реал, моддий нуқтаи назардан ёндашиш.

МАТЕРИАЛИСТ 1 *флс.* Материализм тарафдори, материализм йўлидан борувчи киши. *Ҳар қанча материалист бўлсам ҳам, илҳом ҳолатининг сеҳрли эканига ишонгим келади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 *с. т.* Ҳаётга фақат ўзининг моддий манфаати нуқтаи назаридан ёндашувчи киши.

МАТЕРИАЛИСТИК Материализмга оид, материализм принципларига асосланган. *Материалистик фалсафа. Материалистик дунёқараш.*

МАТЕРИК [*лот.* materis — илк, бошланғич асос] Қуруқликнинг океанлар ва денгизлар ўраб турган катта бўлакларидан ҳар бири; қитъа. *У [Ю.А. Гагарин] ..ернинг ҳамма томонларини бир ярим соат ичида кўриб чиққан, унинг жуда катта океанлари ва материкларини назардан ўтказган биринчи одамдир.* Газетадан.

МАТЕРИЯ [*лот.* materia — модда; илк асос; моҳият] **1** *флс.* Киши онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив борлиқ. *Материя фалсафий категориядир.* ▬ *Олам замирида чексиз хилма-хил хусусиятларга эга бўлган материя ётади.* «Фан ва турмуш».

2 *айн.* **модда**. *Материянинг тузилиши.*

3 *с. т.* Газлама, мато, материал. *Йўл-йўл материя.*

МАТИН *шв.* Метин.

МАТКАТАК *шв.* Чўпонларнинг тошдан қурилган кулбаси.

МАТЛА [*а.* مطلع — зинапоя, нарвон; муқаддима, бошланиш] **1** *ад.* Ғазал ёки қасиданинг ҳар икки мисраси ўзаро қофияланадиган биринчи байти. *Бобур таққа тўхтаб қолди. Ё оллоҳ, ахир бу бир пайтлар ўзи битган ғазалнинг матлаи-ку!* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 *эск. кт.* Осмон ёритқичларининг чиқиш ўрни, чиқиши.

МАТЛАБ [*а.* مطلب – талаб, эҳтиёж, мақсад] **1** Талаб этилган, исталган нарса; мақсад. *Ўзим ҳайрон ўз қилмишимга, ўзим билмам: недир матлабим.* Э. Воҳидов. *Дунё халқларининг матлаби битта: Тинчликсиз замон – замон аталмас.* Н. Нарзуллаев.

2 Матлаб (эркаклар исми).

МАТЛУБ [*а.* مطلوب – исталган, керакли; талаб қилинган; истак] *кт.* Талабга мос бўлган, исталган, кўнгилдаги. *Эй менинг дўстларим, кирому матлуб, Ёшликнинг ўзидай азиз, ягона.* Э. Воҳидов.

МАТЛУБОТ [*а.* مطلوبات – қарзлар, мажбуриятлар]: **матлубот кооперацияси** (*ёки* **жамияти**) Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун тузилган кооперация (жамият). *..қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини сезгирлик билан ҳисобга олиб бормаётган матлубот кооперациялари ҳам бор.* Газетадан. *Қишлоқ матлубот жамиятига ўша йиллари Ҳанифа раис эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МАТЛУБОТЧИ Матлубот кооперациясида ишловчи киши.

МАТН [*а.* متن – елка; нутқнинг ёзувдаги ифодаси, текст] **1** Ёзувда ёки босма ҳолда шакллантирилган муаллифлик асари ёки ҳужжат. *Бегона тилдаги матнни таржимон ўзи учун талқин этиши билан уни ўз тилида бошқаларга атаб қайта яратиши ўртасида улкан тафовут бор.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Босма нашрнинг расм, чизма ва изоҳларсиз асосий қисми.

МАТНШУНОС [*а.+ф.* متن‌شناس – матн ўрганувчи] Матншунослик соҳаси мутахассиси; текстолог.

МАТНШУНОСЛИК Адабиёт ва фольклорга оид қўлёзма асарларни, тарихий ҳужжатларни, уларнинг ҳақиқий, асл матнларини аниқлаш ва танқидий ўрганиш, шарҳлаб эълон (нашр) қилиш мақсадида улар устида тадқиқотлар олиб борувчи ёрдамчи тарихий-филологик фан соҳаси; текстология.

МАТО [*а.* متاع – мол, ашё; юк**]** **1** Газлама, материал, материя. *Пахта индан тўқилган мато.* ▬ *Бундай бўёқ билан бўялган мато ўнгиб кетмайди.* «Фан ва турмуш».

2 Мол, буюм, нарса. *-Ё қудратингдан, ишонмайди-я! – деди Туробжон [хотинига] келтирган матони титкилаб, – мана, чайнаб кўр!* А. Қаҳҳор, Анор.

МАТОНАТ [*а.* متانت – мустаҳкамлик, қатъийлик; салобат] *кт.* Қаттиқ бардош, сабот, чидам. *Жангларда матонат кўрсатмоқ. Матонат билан курашмоқ.* ▬ *Зиёмат Ҳусановнинг қилган жанглари, матонати, жасорати кишиларга ибратли эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *1978 йил чўлқуварлар маҳорати, тадбиркорлиги.. матонатини зўр синовдан ўтказди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МАТОНАТЛИ *кт.* Матонатга эга бўлган; саботли, чидамли. *Матонатли жангчилар.* ▬ *Директор янги ерда ишни юргизиш учун матонатли, суянчиқ одамлар топиши керак.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МАТОҲ [*а.* متاع – мол, ашё] *с.т. қ.* **мато 2**. *Йўлдошев.. ўзи келтирган матоҳларини тез-тез папкасига солиб, кабинетдан тепилган коптокдек отилиб чиқди.* А. Муҳитдин, Хира. *..атторлар мушки анбар исмли сув, яна аллақандай хушбўй матоҳларни кўзкўзлаб, қутиларини очадилар.* С. Сиёев, Аваз.

МАТРАП [*а.* مطرف – ёпинчиқ, чойшаб] Бедана, каптар каби паррандаларни ушлашда қўлланадиган, узун таёқ учига тўр халтали чамбарак ўрнатиб ясалган асбоб. *-Бир тарафи ҳайитлашиб ҳам келаман-ку, деган ният билан ёнига тозисини ҳам қарчиғайини олиб, матрап кўтариб, уч-тўрт кун далага чиқиб кетди.. – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Қўлидаги қушни учириб юбориб, бировларнинг қўлидагига матрап тикиб юрган экан-да.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

МАТРАС [*нем.* Matratze, *голл.* matras < *а.* مطرح – ичига жун тиқилган ёстиқ ёки кўрпа] **1** Ичига пахта, жун ва ш. к. солинган қалин тўшак. *Рахи чиқсин, деб матрас тагига ёзиб қўйган шимини олиб кийди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Каравот ёки диваннинг пружинали ўриндиғи.

МАТРИАРХАЛ Матриархатга, оналик даврига оид. *Матриархал муносабатлар.*

МАТРИАРХАТ [*лот.* mater, matris – она + *юн.* arche – ҳокимият] Уруғчилик жамиятининг оилада ва жамиятда она бошчилик қилган, қариндошликда ва мерос қолдиришда она томон асос ҳисобланган ибтидоий шакли; она ҳукмронлиги даври.

МАТРИЦА [*нем.* Matrize < *лот.* matrix, matricis – бачадон; она; манба, рўйхат] **1** *тех.* Металлургияда: металларга босим билан ишлов беришда тайёрланадиган буюм

хомашёси, чала тайёр нусхасини (чўзиб, ёйиб, пресслаб ва ҳ. к.) керакли шаклга келтириш учун ишлатиладиган қолип (штамп)ларнинг иш қисми.

2 *полигр.* Ҳарф, рақам ёки белгининг чуқур тўғри тасвири туширилган, яъни литералар (ҳарф ёки белгининг бўртма тасвири), ҳарф ёки сатрни қуйиш учун қолип бўлиб хизмат қиладиган металл пластинка ёки тахтача. *Линотип матрицаси. Монотип матрицаси.*

3 *полигр.* Матн ва расмларнинг ботиқ тасвири туширилган, стереотиплар (юқори босма шакллари)ни тайёрлаш, асарларни қайта нашр этиш, кўп нусхали нашрларни турли жойларда босишда ишлатиладиган пластмасса варақ, тахта. *Китобни матрицадан босиш.* ▬ *Аввал «Правда» ва «Известия» газеталаригина Москвадан олиб келинадиган матрицалардан босилар эди.* И. Шоғуломов, Йирик корхона.

4 *мат.* Турли сонлар ва математик ифодалар жойлаштирилган сатрлар ва устунлардан иборат тўғри бурчакли жадвал.

МАТРОС [*голл.* matroos < matten-noot – каравотдош ўртоқ (кемада)] Ҳарбий денгиз флотида оддий аскар; фуқаро денгиз флотида кема командасининг аъзоси. *Матросларнинг бир нечтаси ипак арқонни белларига боғлаб, фонарлар билан шўнғидилар.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

МАТРОСКА [«матрос» с. дан] Матросларнинг кенг қайтарма ёқали махсус устки кўйлаги; хотинлар ёки болаларнинг шу хилда тикилган кўйлаги.

МАТЧ [*ингл.* match] Шахмат ёки спортнинг бирор тури бўйича икки рақиб ёки икки команда ўртасидаги мусобақа. *Футбол матчи. Дунё биринчилиги учун шахмат матчи.* ▬ *Расмий мусобақалардан ташқари оила аъзолари ўртасида ҳам ҳар хил турнир, матчлар ўтказилиб туради.* М. Муҳитдинов, Доналар.

МАУЗЕР [*нем.* Mauser – ака-ука немис инженер-саноатчилари В. ва П. Маузерлар номидан] Ака-укалар ишлаб чиққан (яратган) револьвер, бир зарядли винтовка, автомат тўппонча каби қуролларнинг умумий номи. *Оғажон эшон ётган қора уйга Миршаропов қўлида маузер ушлаган ҳолда отилиб кирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАФИЯ [*итал.* mafia, maffia – махфий уюшма] **1** Дўқ-пўписа, зўрлик, қотиллик усуллари билан иш кўрувчи уюшган, тармоқланган, яширин жиноий ташкилот, гуруҳ.

2 Уюшган жиноятчилик.

МАФИЯЧИ Мафия билан шуғулланувчи, мафия қатнашчиси. *Аёлга қўшни* [*бўлган*] *уйда яшайдиган мафиячи билан ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлганлар бунда адашиб қолишибди.* Газетадан.

МАФКУРА [*а.* مفكوره – фикр юргизиш; тафаккур; эътиқод ва маслаклар тизими] Жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. *Бизнинг миллий мафкурамиз давлатнинг зўрлик аппаратига асосланмаслиги, таянмаслиги керак.* Газетадан. *Мафкуранинг кучи – қандай ғояни ким, қай усулда омманинг онгига етказиб бера олишида намоён бўлади.* Газетадан. *Мафкурамиз миллийлигининг асосий белгиси ҳам бизнинг буюк аждодларимиз ўгитнасиҳатларига, улуғвор ғояларига содиқ қолишимиздадир.* «Мулоқот».

МАФКУРАВИЙ Мафкурага оид; мафкура жиҳатидан. *Мафкуравий душман. Мафкуравий кураш.* ▬ *Мафкуравий ишлар соҳасида ҳали анчагина камчиликлар бор.* Газетадан. *..профессор-ўқитувчилар Амир Темур давридаги мафкуравий муаммоларга тўхталиб ўтдилар.* «Мулоқот».

МАФКУРАЧИ Бирор синф, ижтимоийсиёсий тузум ёки оқим мафкурасининг ҳимоячиси, ифодачиси, раҳнамоси. *Ҳозирги кунда баъзи мафкурачиларимиз, маънавиятмаърифат соҳасида ишловчи арбобларимиз эскича шакл ва усуллардан фойдаланишга чақирмоқдалар.* Газетадан.

МАФОСИЛ [*а.* مفاصل – бўғимлар, бирикиш жойлари] *эск.* Суяк бўғимларининг яллиғланиши, оғришидан иборат касаллик; артрит, ревматизм. *Мафосилга гирифтор бўлган кимсадек етмиш икки бўғими зирқираб оғриди.* С. Сиёев, Аваз.

МАФТУН [*а.* مفتون – берилган, шайдойи бўлган, ақлдан озган] Бировга ёки бирор нарсага ишқ, ҳавас билан, юракдан берилган; шайдо. *Девонов оқ юзли, қора кўзли, қоракош, табиатан мулойим бўлганлигидан, унга кўп қизлар мафтун эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Эътибор Охунова табиат мафтуни, уни жондан севади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Мафтун қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ишқ-севги, завқ-ҳавас туйғуси билан ўзига жалб этмоқ, маҳлиё қилмоқ. *Саодат Қобулова ва Ботир Зокировларнинг шўх қўшиқлари, ўзбек раққосаларининг жозибадор ўйинлари ҳаммани мафтун қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Юлдузхоннинг нозли кўзларидаги сирли маъно Муҳиддинни мафтун этди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МАФТУНКОР Кишини мафтун қиладиган, шайдо қиладиган. *Унинг шинам овози гўё «Кўчабоғи» учун, «Кўчабоғи»нинг мафтункор оҳанги эса Ғуломжон учун яратилгандай янграр эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чимённинг табиати жуда ранг-баранг ва мафтункордир.* Газетадан.

МАФҲУМ [*а.* مفهوم – фаҳмланган, тушунилган маъно; тушунча] *эск. кт.* **1** *айн.* **тушунча**. *Ваъда, сўз деган мафҳумларнинг қиммати борми?* Ойбек, Навоий.

2 Маъно, мазмун. *Унинг «Э, бор!» деганидаги юз ва тан ҳаракати «Кел, қаршимда тиз чўк!» мафҳумидаги чексиз маъноларни ифода қилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАХДУМ [*а.* مخدوم – жаноб, хўжайин; ишга олувчи, ёлловчи] *тар.* Уламо ва руҳонийлар, пир ва устозларга бериладиган унвон, лақаб ва шу унвонга эга бўлган киши. *Махдумни мактабхона эшигида кўрган болалар чувурлашиб, сабоқ такрорлашга тутиндилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАХЗАН [*а.* مخزن – омбор; улкан дўкон; хазина] *кт. айн.* **хазина**. *Ҳикмату фан махзани бўлдинг жасорат кўрсатиб, Лекин ул золимлар ичра лаҳза роҳат кўрмадинг.* Ҳабибий.

МАХЛУҚ [*а.* مخلوق – яратилган нарса] **1** Инсон ва бутун жониворларнинг, тирик мавжудотнинг умумий номи. [*Абдужамил бой:*] *Ўлдирган бўлсангиз, садқайи сар.. ит деган махлуқ топилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Инсондан бошқа жонли нарсага нисбатан қўлланади. *Беор Исроилов бадбашара бир махлуқ қиёфасида кўз олдига келди.* А. Мухтор, Чинор. *Илондек махлуқнинг табиати, фойдасини тушунган одам уни «совуқ» дейишга тили бормайди.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Ўхшовсиз, хунук, жирканч жонворга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Ҳожимат олдинга юришга мажбур бўлди. Бу махлуқдан ҳар нарсани кутиш мумкин эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. -*Қандоқ махлуқсан ўзинг? – деди Саид Жалолхон.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Фуод афанди танфурушлар гумаштаси бўлиб, қора умрини қора ишлар билан ўтказган қабиҳ бир махлуқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бас, уятсиз махлуқ! ..ким уни заҳарлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАХЛУҚОТ [*а.* مخلوقات – яратилган нарсалар, жониворлар] Махлуқлар, жониворлар. *Инсон барча махлуқотнинг тожидир [деди Навоий].* Ойбек, Навоий.

МАХМУР [*а.* مخمور – кайфи бор, кайфланган; маст] *эск. кт.* **1** Маст, кайф қилган, кайфи бор. *Исломхўжа ҳозиргина Николай* II *ҳузурида қозонилган ғалабадан махмур эди.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Сузук, хумор. *Давлатбахш махмур кўзларини.. бир нуқтага тиккан ҳолда сайраб кетди.* Ойбек, Навоий.

МАХОВИК [*р.* маховое (колесо) – силкинма, айланма (ғилдирак)] *тех.* Ўз салмоғи билан валнинг бир текисда айланишини таъмин этувчи пўлат ёки чўян ғилдирак.

МАХОРКА [*р.* махорка – тамакининг арзон нави] Тамаки ўсимлигининг дағал барги ва новдаларидан тайёрланган паст навли чекимлик. *Маҳмуд уй томонга бир қараб қўйди-да, ёнидан махорка олиб ўради.* С. Зуннунова, Олов.

МАХРАЖ [*а.* مخرج – чиқиш жойи, чиқиш] **1** *мат.* Оддий касрда бутуннинг нечага бўлинганлигини кўрсатувчи, каср чизиғи остига ёзилган рақам. *Касрларни умумий махражга келтириш.*

2 *эск. тлш.* Артикуляция ўрни. «*Б»нинг махражи.*

МАХСАР Уруғидан мой, гулидан бўёқ олинадиган тўпгулли бир йиллик ёки кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

МАХСИМЧА *с. т.* Қилиқлари, юриш-туриши хотинларга ўхшаган эркак; хотинчалиш. *Менинг қўл остимдаги йигитлар орасига иш кўрмаган, махсимча бир йигит аралашиб қолди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

МАХСУМ *с. т.* Махдум.

Атала махсум *қ.* **атала**.

МАХСУС [*а.* مخصوص – алоҳида, ўзгача; бирор соҳага оид] **1** Бирор иш ёки нарсага хос бўлган, бирор иш ёки мақсад учун белгиланган. *Махсус кўрсатма. Махсус топши-*

риқ. Махсус комиссия. ▬ *Бўзагар Отабекни.. оддий бўзахўрлар ёнига ўтқазмай, ўзининг махсус ҳужрасига олиб кирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Атайлаб, алоҳида мақсад билан. *Мунисхон, албатта, бу гапларни махсус Саидийни хурсанд қилиш учун етказмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Бирор ихтисосга мансуб бўлган, ихтисослаш(тирил)ган. *Махсус таълим. Махсус ўқув юртлари.* ▬ *Ҳозир мактабдаги ўқитувчилар олий ва махсус маълумотга эгалар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАХСУСЛАШМОҚ *кам қўлл.* Бирор кимса, соҳа, мақсад ва ш. к. га хос бўлиб қолмоқ, ихтисослашмоқ

МАХФИЙ [*а.* مخفى – яширин, бекитилган] Ўзгага, бегонага билдирилмайдиган, бошқалардан сир тутиладиган; хуфия, яширин. *Махфий хат. Махфий учрашув. Махфий сир. Махфий ташкилот. Махфий иш олиб бормоқ.* ▬ *Меҳмонхонада учта қора соя мукка тушиб, ариқ устида махфий режа туза бошладилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАЧИТ *с. т.* Масжид. *Одамларни мачит намозхон қилганми, намозхон одамлар мачит солганми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МАЧТА [*голл.* mast – тик] **1** Кеманинг қоқ ўртасига ўрнатиладиган, елкан осиш, кузатиш, сигнал бериш учун хизмат қиладиган вертикал металл ёки ёғоч устун, дор. *Кўрфазда эса кема мачталари чайқалмоқда.* «Фан ва турмуш».

2 *тех.* Электр симларини осиш, сигнализация, антенналар ўрнатиш ва ш. к. мақсад учун қурилган баланд минорасимон қурилма. *Баланд мачталарга марвариддай терилган шода-шода прожекторлар ўткир нурларини пастга санчиб турарди.* П. Қодиров, Эрк.

МАЧЧОЙИ Тожикистоннинг Мастчоҳ (Матчо) деб аталувчи жойи аҳолисига мансуб киши. *Бой мардикори маччойи.* Муқимий, Саёҳатнома.

Маччойи сайил *с. т.* Бекорчиликдан у ёқбу ёқни айланиб кезиб юриш. *Хиёбонлар бўйлаб «маччойи сайил» қилиб юрадилар.* Ойбек, Навоий.

МАШАК Боткоқликларда, тўқайларда яшайдиган, оёқлари ва тумшуғи узун қуш. *..юқоридан учиб ўтган икки машак қушнинг «чев-чев» деган товушини эшитиб, кўкка қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАШАЛА *с. т.* Машъал.

МАШАҚҚАТ [*а.* مشقّت – қийинчилик, оғирлик] Қаттиқ қийинчилик, оғирчилик, заҳмат. *Машаққатларни енгмоқ. Машаққат тортмоқ. Машаққат чекмоқ. Машаққат кўрмоқ. Машаққатга солмоқ. Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз – ҳунар.* Мақол. ▬ *Етти яшарлигидан бери бошидан ўтган фалокатлар, машаққатлар уни [Неккадамни] қаритган эди.* С. Айний, Қуллар. *Кунлар, тунлар чўлда қаттиқ машаққат ва қўнимсизлик билан кечар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

МАШАҚҚАТЛАНМОК *кам. қўлл.* Машаққат кўрмоқ, машаққат чекмоқ, қийналмоқ. *Эшикнинг қулф ва занжири бўлмай, юзига ёпиқ ҳолда турган бўлса ҳам, у [йигит] эшикка тақилмади, машаққатланиб, деворга минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАШАҚҚАТЛИ Машаққати бўлган, оғир, қийин, сермашаққат. *Машаққатли ҳаёт. Машаққатли меҳнат. Машаққатли йўл.* ▬ *Ҳарбий машқ ва таълимнинг барча машаққатли чийриғидан ўтиши, янги касб, кутилмаган жанг ҳаракатлари уни, албатта, ўзгартириб юборган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

МАШВАРАТ [*а.* مشورت – кенгаш, кўрсатма; йўл-йўриқ] *эск. кт.* Кенгаш, маслаҳатлашиш. *Бобур бугун пешинда ишонган бекларини тўплаб, машварат ўтказди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Афтидан, улар кимнидир кутар, шу кишисиз машваратни бошлай олмай ўтиришар эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАШВАРАТХОНА [машварат + хона] Машварат ўтказиладиган (ўтказилаётган) жой, хона. *-Ассалому алайкум, – деб ўн бир ёғочли кенг-мўл машваратхонага дадил кириб борди Жаҳон Отин.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МАШВАРАТЧИ Машваратда қатнашувчи; кенгаш, маслаҳат берувчи. *Кўканбой эртасиёқ Боғибологa эниб бориб, бир тўда машваратчи хотин-халажни эргаштириб қайтди.* Э. Аъзам, Олам ям-яшил.

МАШИНА [*фр.* machine < *лот.* machina – иншоот, қурилма] **1** Энергиянинг бир турини бошқа турдаги энергияга айлантирувчи, материаллар ёки ахборотларни тўплаш, сақлаш ва ўзгартириш, алоқа ўрнатиш, юк ва одамларни ташиш учун мўлжалланган механизм ёки механизмлар мажмуи. *Буғ ма-*

шинаси. Тикув машинаси. Қишлоқ хўжалик машиналари. Кир ювадиган машина. Енгил машина. Юк машинаси. ▬ *Станцияга олиб борадиган бу йўл серқатнов! Арава, машинадан кўпи йўқ.* И. Раҳим. Чин муҳаббат.

МАШИНАЛАШМОҚ Машина билан таъмин этилмоқ, машина асосига қурилмоқ. *Машиналашган саноат. Машиналашган дивизия.* ▬ *Сигир соғишдан тортиб уларни қашлашгача.. машиналашган.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

МАШИНАСОЗ Машина ишлаб чиқариш саноатининг ходими, ишчиси, машинасозлик саноатининг мутахассиси. *Машиналарнинг конструкциясини яхшилаш машинасозларнинг муҳим вазифасидир.* ▬ *Жавод Кўчиев конструктор ва машинасозларга ҳам эътироз билдириб қўярди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МАШИНАСОЗЛИК Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун машиналар ва машина асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган оғир саноат соҳалари мажмуи. *Машинасозлик саноати. Машинасозлик корхоналари.* ▬ *Шунинг учун кўпда қийналмай, тушга яқин қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига етиб борди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

МАШИНАЧИ Тикув машинасида кийим-кечак тикувчи уста, чевар. *Бу кўйлакни машиначидан келтирган куни кийганда, Қосимжон: «Жуда ярашди, фасони ҳам ўзига мос бўлибди», деган эди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

МАШИНАЧИЛИК Машиначи иши, касби. *Машиначилик қилмоқ. Машиначиликни ўрганмоқ.*

МАШИНАШУНОС Машинашунослик мутахассиси.

МАШИНАШУНОСЛИК Машина ва механизмларни яратиш, улардан унумли фойдаланишга доир назарий билимлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган фан.

МАШИНИСТ [«машина» с. дан ясалган шахс оти] **1** Локомотивни бошқариб, поезд ҳайдовчи киши. *Паровоз машинисти.* ▬ *Саҳро ухлар.. Поезд учади, Депсинади зўр локомотив. Деразадан боқиб машинист, Узоқларни чамалар ҳадеб.* Ё. Мирзо.

2 Кран ва ш. к. машинани бошқарувчи киши. *Экскаватор машинистига ёрдамчи бўлиб олдим.* С. Аҳмад, Иқбол чироқлари.

МАШИНИСТКА Ёзув машинкасида ишловчи аёл. *Машинистка опам Ҳожар, қўл бармоғи ўйнаб чопар. Гўзал жажжи машинкаси — худди рояль кичкинаси.* Қ. Муҳаммадий.

МАШИНКА [«машина» с. кичр.] Ҳар бирига ҳарф ёзилган тугмачаларини бармоқ билан уриб хат ёзадиган мослама. *У қабулхонага кириб борганида, котиба қиз машинкада нимадир чиқиллатиб ўтирган экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *..машинкада ёзилган хатни овозини чиқариб ўқиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МАШКОБ *шв.* Мешкоб. *Саройбонлар саройнинг ертўлаларини.. супурмоқда, машкоблар сув сепмоқда..* С. Айний, Қуллар.

МАШМАША Келишмовчилик ёки англашилмовчилик орқасида юзага келган жанжал, можаро, ғавғо. *Замира чимирилганича турар, кампир эса қизалоқлар ўртасидаги машмашани англаёлмай, саросимада эди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Йўқса, катта бир машмаша чиқиб қолиши мумкин эди-да.* Газетадан.

МАШМАШАЛИ Машмашаси бор. *Азизим, ҳозирча машмашали уйда бўлса ҳам, меҳмон тарзида кўришдан бўлак чорамиз йўқ.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

МАШОЙИХ [*а.* مشايخ — «шайх» с. кўпл.: кексалар, шайхлар] *с. т.* Ҳикматли сўзларни айтиб ўтган улуғ ота-боболар. *Ахир, қиш қишлигини қилмаса, ер тўярмиди; ер тўймаса, эл тўймас. Қаранг, машойихлар қандай топиб айтганлар.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. *Эри минг яхши бўлсин, бари бир, кундош кундошлигини қила беради. Машойихлар билмасдан кундош демаганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАШОҚ Буғдойни ўриб-йиғиб олиш пайтида, ўримдан кейин ерга тўкилиб қолган бошоқлар. *Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир.* Мақол. ▬ *[Йўлчи:] Мен ёшликдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАШОҚЧИ Машоқ терувчи. *..қош қорая бошлаганда, тўсатдан машоқчилар орасида Ёдгорбек билан Шермат кўр пайдо бўлди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

МАШРИҚ [*а.* مشرق — шарқ, кунчиқар**]** *эск. кт.* Шарқ, кун чиқиш томон. *Ҳар тонг кўзим машриқда. Кун балқийди сен ёқдан.* Т. Тўла. *Машриқ уфқи аста-секин ёришиб келарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАШРУ [*а.* مشروع – очиқ-ошкор, қонуний] *эск. кт.* Шариат қонунлари йўл қўядиган, шаръий. *У [Мусулмонқул] уламо орқали ўз зулмини машру бир тусга қўйган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар

МАШШОТА [*а.* مشّاطه – соч таровчи (аёл); жун таровчи машина] *эск.* Қиз ва келинларнинг сочларини тараб оро берувчи, безантирувчи; пардозчи (хотин). *Шона урсам ғайр зулфига, чақилсин қўлларим, Қайси бир машшота ҳам зулфунг паришон айласа.* Увайсий. *Чаман ичра туғилибсизки, Сизда экан қуёшнинг кўзи. Билсам, шуни машшота бўлиб, Безатибди қуёшнинг ўзи.* Э. Воҳидов.

МАШШОҚ [*а.* مشّاق – ўқитувчи, устоз; уста] Халқ чолғу асбобларида мусиқа асбоби чалувчи созанда. *Барот полвон «додхоҳ келибди, шекилли», деб самовар томонга қараган эди, дутор, танбур, ғижжак, най, доира кўтариб келаётган машшоқларга кўзи тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАШЪАЛ [*а.* مشعل – чироқ, шамчироқ; маёқ] **1** Учига латта ёки бирор бошқа ёнувчи нарса ўралган, ёритиш ёки ўт ёқиш учун ишлатиладиган таёқ. *Машъал ёқмоқ. Машъал кўтариб олмоқ.* ▬ *Ҳокимнинг одамлари машъалларни ёндириб, қўрғоннинг ичини ва теварагини ёруғлантириб, бир қисмлари қўрғонга бостириб кирдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *кўчма* Йўл кўрсатиб турадиган, намуна бўлган нарса; маёқ. *Шарқда машъал Тошкент шаҳри неча-неча буюк воқеалар, улкан шодиёналарнинг шоҳиди бўлган.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Меҳнат-фаолиятда ўрнак бўлган илғор шахс, хўжалик ва ш. к. *Биз илғор машъалларнинг тажрибасини оммалаштиришимиз керак.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Республикамизда.. пахта ҳосилдорлиги йил сайин ошсин, машъал хўжаликларимиз тобора кўпайсин.* Газетадан.

МАШЪАЛА [*а.* مشعله – чироқ; машъал] *с. т.* Ёқилган машъал. *Аёллар машъала кўтариб, чилдирма чалиб, ғуж бўлиб келар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меҳмонлар катта ёнғоқли ҳовли ўртасидаги супадан жой олишмоқда. Тўрт тарафда машъала, ўртада катта гулхан.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

МАШЪУМ [*а.* مشؤوم – бахтсиз, бахти қора, бадбахт] *кт.* Бахтсизлик, фалокат келтирувчи, бахтсизликдан дарак берувчи; шум; кўнгилсиз, нохуш. *Машъум хабар. Машъум воқеа.* ▬ *Булутлар орасидан душман самолётларининг таниш ва машъум садоси эшитилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

МАШҚ I [*а.* مشق – ҳуснихат, расм чизиш учун намуналар] Бирор фаолиятни пухта ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун бажариладиган иш, тайёргарлик машғулоти. *Ҳарбий машқ. Машқ қилмоқ.* ▬ *Сидиқжон кўкрагини сандалга бериб, хат машқ қилар, Канизак унинг рўпарасида китоб ўқиб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Иш ёмон, – деди келган милиционер, – кўпи машқ кўрмаган, ҳали милтиқ отишни билмайдигаи милиционерлар, қўлидан нима келар эди.* С. Айний, Қуллар. *Узоқ машқлар бекор кетмаган эди. Ҳоннинг қўшини гўё бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Маълум мақсадда бажариладиган, қилинадиган муайян иш, ҳаракат. *Имлога оид машқлар. Жисмоний машқлар.* ▬ *Болалар бир-бирларининг қўлларини ушлашиб, гимнастика машқларини енгил ва чиройли бажарадилар.* Газетадан.

Машқ қилмоқ Машқ тарзидаги иш, ҳаракат ва ш.к. ни бажармоқ. *Тиришиб машқ қилишим орқасида ҳамсабоқ ўртоқларим орасида иншо ёзишда пешқадам бўлдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ғанишер бугун уйқудан тиниқиб турди, олдинга ва орқага энгашиб машқ қилди.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Машқини олмоқ** Яхши малака ҳосил қилмоқ, ҳавосини олмоқ, обдан эгалламоқ. *У 1930 йиллар қишлоқ советига котиб бўлганидан бери мажлисларда сўзлаш машқини олган эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МАШҚ II [*а.* مشق] **1** Чолғу куйи ва унинг ижроси. *Созандалар узоқ машқдан кейин танаффус қилдилар ва чолғуларини қўйиб, чой ича бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йўлдош отага чалиб берган машқингиз ҳали ҳам қулоғимдан кетмайди.* С. Аҳмад, Хазина.

2 *кўчма* Кишининг кайфияти, шахти. *Дадавойга қизининг машқи паст, руҳан эзилганроқ туюлди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

МАШҒУЛ [*а.* مشغول – иши кўп, иш билан банд] Бирор иш билан банд бўлган, шуғулланаётган. *Фотима опа айвонда болалардан бирининг шимини ямаш билан машғул.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Раҳим ака телефонга яқинлашди, бошқалар ўз иши билан машғул эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МАШҒУЛОТ [*а.* مشغولات – нарса, буюмлар; маҳсулот] **1** Иш-юмуш, касб. *Мен бу ерда отам ва онамнинг машғулотлари.. тўғрисида бир оз гапириб ўтишни лозим биламан.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Муайян мақсаддаги, мас., ўқитишўргатишга қаратилган иш; дарс. *Навбатдаги машғулот. Амалий машғулот. Машғулот ўтказмоқ.* ▬ *Эртаси кун Рамазон қори келиб, ўз синфида машғулот бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўт ўчирувчиларнинг сменаси навбатдаги машғулотни ҳозиргина тугатди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Таъсирли, даъваткорлик руҳидаги машғулотлар яхши самаралар берганлиги кўзга ташланиб турибди.* Газетадан.

МАШҲУР [*а.* مشهور – таниқли, довруқли] Шуҳрат қозонган, донғи кетган, ном чиқарган; атоқли, таниқли, танилган. *Машҳур олим. Машҳур механизатор.* ▬ *Ургут қишлоқлари ажойиб боғлари, учар отлари.. моҳир усталари билан машҳур экан.* «Саодат». *Бутун Хуросону Мовароуннаҳрга донғи кетган бу бастакор [Андигоний] камтару хушфеъллиги билан машҳур.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАЪБАД [*а.* معبد – ибодат қилинадиган жой] *эск. кт. айн.* **ибодатхона**.

МАЪБУДА [*а.* معبوده – илоҳа; маҳбуба] Аёл образида тасаввур қилинган худо. *Афродита – муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси.*

МАЪВО [*а.* مأوى – бошпана, тураржой, макон] *эск. кт.* Тураржой, бошпана; манзил. *Меҳнаткаш азиз элни кутиб боғу чаманлар, Гулдаста тутиб, манзилу маъво безанибдир.* Ҳабибий. *Оғушлари какликларга хилватгоҳ маъво, Сўлим, салқин соясида кийиклар ухлар.* О. Ражаб.

МАЪДАН [*а.* معدن – кон, ер ости бойликлари; металл] *эск.* **1** *айн.* **минерал** I, II. *Нодир маъданлар.* ▬ *Сут маъдан моддаларга ҳам бой масаллиқ бўлиб, таркибида калий, фосфат ва бошқалар бор.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *айн.* **металл**. *Жило берар маъданга зўр уста токарь..* Ғайратий.

3 *айн.* **руда**. *Бир олим тоғ қазиб, маъданлар излар, Бири тилсим очиб, ердан топар кон.* С. Абдулла.

МАЪДАНШУНОСЛИК 1 *қ.* **минералогия**. *Маъданшунослик илмига.. сезиларли йўналиш бағишлаётган ўткир зеҳнли зотлардан эди.* М. Қўшжонов, Дийдор.

2 *қ.* **металлшунослик**.

МАЪЖУН [*а.* معجون – доривор аралашма; ўсимликлардан олинадиган, таркибида гиёҳванд модда бўлган аралашма] *эск.* Турли зираворларга афюн қўшиб тайёрланган ва қувват, дармон берадиган дори. *Табиб: «Бу кофар иссиқ дори, буни бир ривоятда – маъжун, яна бир ривоятда – чордори деб атайдилар», деди.* Н. Мақсудий, Юксалиш.

МАЪЗИРАТ [*а.* معذرت – узр, афв сўраш] *эск. кт.* Узр, кечирим. *Маъзират сўрамоқ.*

МАЪЗУЛ [*а.* معزول – узоқлаштирилган алоҳида(ланган); ишдан озод қилинган] *эск. кт.* Амалидан, вазифасидан четлатилган. [*Қози:*] *..Маъзул қозикалон Бурҳониддин, ҳам муллалар вакили домулла Қутбиддин ва домулла Холмуроддан хат олдим.* С. Айний, Қуллар.

МАЪЗУР [*а.* معذور – узрли; узр этилган] Узрли, кечирса бўладиган. *Мактубни иситма орасида ёзганингизга тамоман қаноат ҳосил қилдим. Шунинг учун сизни айблашга ҳаққим йўқ, сиз маъзурсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Маъзур тутмоқ (*ёки* **кўрмоқ**) Узрли ҳисобламоқ, кечирмоқ. *Мени маъзур тутинг, устоз. Уст-бошим кир-чир бўлганидан тўғри келаверишга ботина олмадим.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Маъзур кўрасиз, оғайнилар, бу савдо бизга тўғри келмайди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

МАЪЛУМ [*а.* معلوم – таниқли, белгили; албатта, тушунарли] **1** Ҳамма ёки тегишли кишилар биладиган, ошкор, аён. *Маълум нарса. Маълум жой.* ▬ *Қораилон фақат икки кишига маълум: уларнинг бири – Мирзо, иккинчиси – Шоҳ Малик тархондир.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бу вазифани бажариш бениҳоя оғир бўлажаги разведкачиларнинг ахборотларидан маълум эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Маълум қилмоқ Билдирмоқ. *Табиб ҳам Меъморнинг оғир мусибат билан Бухорога кетаётганини маълум қилишни лозим топмади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *мат.* Олдиндан берилган, мавжуд. *Маълум сонларни номаълумлардан ажратиш.*

3 Белгили, муайян. *Орадан маълум муддат ўтиб, дарвозанинг сўнақайсиз тақиллашидан* [*Ҳасанали*] *чўчиб уйғонди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Урф-одат ва анъана, гўё жадвалга ёзилгандек, маълум тартиб билан давом этди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Машҳур, ном чиқарган. *Маълум одам.*

МАЪЛУМИНГИЗ Сизга маълум бўлсинки. *Маълумингиз, кеча мажлис бўлган эди.* ▬ *Маълумингиз, мардикор қилиб юборди.* У. Исмоилов, Сайланма. [*Отабек:*] *Маълумингиз, кечалари бўш бўламан, шунинг билан бирга, отангиз қайси вақтни ихтиёр қилсалар, ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЪЛУМКИ *крш с.* Кўпчиликка маълум нарса устида сўз борганда ишлатилади. *Маълумки, ёмғир чувалчанги сернам ва чиринди тупроқли шароитда яшайди.* «Фан ва турмуш».

МАЪЛУМОТ [*а.* معلومات – ахборот, хабарлар; билим] **1** Ўқиш-ўрганиш натижасида олинган билим кўникмалари ҳажми ва даражаси. *Бошланғич маълумот. Ўрта маълумот. Олий маълумот. Сиёсий маълумот.* ▬ *Ҳозир мактабдаги ўқитувчилар олий ва махсус маълумотга эгалар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Қиз ўн олти ёшгача бу оилада мусиқа муаллими бўлган камбағал амакининг тарбиясида ўсади, ибтидоий таҳсил кўради, мусиқадан ҳам бир оз маълумот олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хабар, ахборот; далил бўладиган ҳужжат, рақам ва ш. к. материаллар. *Кечқурун қишлоққа терговчи келди. Дастлаб Мели полвонни чақириб, маълумот олди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Олимларимизнинг берган маълумотларига қараганда, лимонни экиб, қаламча, пайванд ва пархиш қилиб кўпайтирилади.* Газетадан. *Мирзо саройидан бизга етиб келган маълумотлар шуни кўрсатадики, фарғоналиклар биздан кам, иш кўрган сарбозлари оз..* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАЪЛУМОТЛИ Маълумот олган, маълумоти бор; ўқимишли. *Маълумотли одам. Ўрта маълумотли бола. Олий маълумотли педагог.* ▬ *Халқ бахтини изловчи.. маълумотли курашчилар лозим.* Ойбек, Нур қидириб.

МАЪЛУМОТНОМА [маълумот + нома] **1** Фуқароларнинг турмуши ва иш фаолиятига оид воқеа-ҳодиса ва ҳолатларни акс эттириб тасдиқлаб берадиган ва талаб қилинган жойларга тақдим этиладиган (кўрсатиладиган) расмий ҳужжат. *Соғлиғи ҳақидаги маълумотнома. Иш (яшаш) жойи ҳақида маълумотнома олмоқ.*

2 Корхона, муассаса ва ш.к. фаолиятига доир воқеа-ҳодисаларни расмий равишда акс эттирадиган ва тасдиқлайдиган, хилма-хил маълумотларни қамраб олувчи расмий ҳужжат. *Вагонларда Москвага маълумотномалар олиб бораётган ходимлар бор эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

3 Бирор соҳа ёки масала бўйича маълумот берадиган китоб, қўлланма ва ш.к. *Олий ўқув юртларига кирувчилар учун кимёдан маълумотнома. Амалий врачлар учун педиатриядан маълумотнома.*

МАЪЛУМОТСИЗ Маълумоти, билими йўқ; ўқимаган, билимсиз.

МАЪМУР I [*а.* مأمور – топшириқ, буйруқ олувчи, тобе; мансабдор, бошлиқ] **1** Бошқариш ва ижро ҳуқуқига эга бўлган мансабдор, бошлиқ. *Чор маъмурлари.* ▬ *Маҳаллий маъмурлар унга [муфтига] Машҳаддан чиқиб кетишга рухсатнома беришдан бош тортди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Маъмур (эркаклар исми).

МАЪМУР II [*а.* معمور – ишланган, ишлов берилган (ер); одам яшайдиган, обод] Обод ва фаровон, бекаму кўст; тўкин. *Юртимиз маъмур.* ▬ [*Навоий:*] *Қишлоқ аҳлларига ариқлар чиқариб, халқни сувга маъмур қилмоқчи бўлганимизни айтдим.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ҳозиргидек маъмур замонлар бўлишини тасаввуримизга сиғдиролмасдик.* Газетадан.

МАЪМУРИЙ [*а.* مأموری – бошқарувга, маъмуриятга алоқадор] **1** Маъмуриятга доир, бошқариш ва ижро билан шуғулланадиган. *Маъмурий бўлим. Маъмурий иш. Маъмурий ҳуқуқ.* ▬ *Норбой икки қаватли маъмурий бино олдида машинадан гердайиб тушди.* «Ёшлик». *Бу, аввало, маъмурий поғоналарни камайтириш, энг муҳими, бошқарув харажатларини тегишли равишда камайтириш имконини беради.* Газетадан.

2 Маъмурият йўли билан амалга ошириладиган. *Маъмурий чора.* ▬ *Нодиржон, бир буфетчини, Розиқвойнинг илтимосига кўра, маъмурий жазодан қутқазди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

МАЪМУРИЯТ [*а.* مأموريّت – амал, мансаб; вазифа, топшириқ] **1** Бошқарув фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари мажмуи.

2 Муассаса, ташкилот, корхона ва ш. к. нинг бошқармаси. *Театр маъмурияти яхши асарлар йўқлигидан нолибди.* Газетадан. *Кейин комбинат маъмурияти Ойсанамга бир хо-*

нали квартирага ордер берди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

3 Бошқарувдаги мансабдор шахслар; муассаса, корхоналардаги раҳбар ходимлар.

МАЪМУРИЯТЧИЛИК Маъмурий ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш. *..меҳнат жамоаларининг ролига ҳали ҳам тўла баҳо бермаяптилар, маъмуриятчилик билан шуғулланадилар.* Газетадан. *Маъмуриятчиликка берилиб кетиш зарардан бошқа ҳеч бир натижа бериши мумкин эмас.* Газетадан.

МАЪМУРЛИК *айн.* **маъмурчилик.** *Рақамга боқсам, эрта — ҳамма ерда маъмурлик.* Ф. Зоҳид, Туямўйин қўшиғи.

МАЪМУРЧИЛИК Мўл-кўлчилик, тўкинчилик, фаровонлик. *Янги, гуллаган хазонсиз боғлар — мўл-кўлчилик рамзи, маъмурчилик тимсоли.* «Ёшлик». *Улар эл-юрт бойлиги, маъмурчилиги учун фидокорона меҳнат қилаётирлар.* Газетадан. *Унингча, бу тўйлар элимиздаги тўкин-сочинлик, маъмурчиликка ҳечам ҳовушмайди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

МАЪНАВИЙ [*а.* معنوى — маъновий; ақлий; мавҳум; ахлоқий] **1** Маънавиятга оид, маънавият, ахлоқ билан боғлиқ. *Маънавий мерос. Маънавий қиёфа. Маънавий камолот.* ▬ *Ҳаётнинг сўқмоқларидан ўтишга ожиз, ҳар бир арзимас қийинчилик олдида эсанкирайдиган, маънавий қашшоқ одам эканлигимни энди билдим.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Ойбекнинг қаламига мансуб асарлар аллақачон қардош халқларнинг маънавий мулкига айланган.* Газетадан.

2 *айн.* **маънан.** *Назарни айбситишга ҳеч кимнинг маънавий ҳаққи йўқ.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ёшлар ўртасидаги маънавий тубанлашишнинг асосий манбаларидан бири Ғарбда ишланган ахлоқ ва одобга зид бўлган фильмларни кўриш бўлиб қолди.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида.

Маънавий зарар Муайян шахснинг шаъни, қадр-қимматига доғ тушириш, ишбилармонлик обрўсига путур етказиш.

МАЪНАВИЯТ [*а.* معنويّات — ахлоқий ҳолат; барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар] Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий ва ш. к. тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. *Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.* Газетадан. *..маънавиятимизга таъсир этувчи жиҳатлар шунчалик кўпки, уларни санаб, саноғига ета олмаймиз.* Газетадан. *Зеро, нақшбандия таълимоти — маънавиятимиз сарчашмаларидан бири ҳисобланади.* Газетадан. *Аждодларимиз фалсафаси ҳам маънавиятимиздир.* Газетадан. *Биз талабаларга Шарқ маънавиятининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳақида ўргатамиз.* Газетадан.

МАЪНАН *кам. қўлл.* **1** Маънавий жиҳатдан, маънавий томондан. *Унинг* [*Юсуфбек ҳожининг*] *ҳар бир раъйига Нормуҳаммад қушбеги қонунан мажбур бўлмаса-да, маънан бир мажбурият ҳис этар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Маънан ва жисман эзилган.. Анвар гўё ҳушсиз каби, бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Маъно жиҳатдан, маъносига кўра. *Маънан бир хил сўзлар.*

МАЪНИ [*а.* معنى — маъно, мазмун] *с. т.* **1** *айн.* **маъно.** *Сўзнинг маъниси.*

2 *айн.* **мазмун.** *Рустам эси кириб қолган, китоб ўқиб, ҳар гапнинг маънисини тушунадиган бўлган.* «Муродхон». *Сўнг бундан ҳеч нима тушунмай, кўзларини бақрайтирган дўстларига бу рубоийнинг маънисини тушунтириш учун шошилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ақл-ҳуш, тайин. *Маъниси йўқ одам.* ▬ *Сизларда маъни борми, бемаънилар.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

Маъни кирмоқ Ақл кирмоқ, эс-ҳушли бўлмоқ. *-Баракалла, — деди Нозик, — Ана энди сизга ҳам маъни кирибди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 *кўчма* Бирор нарсанинг сабаби, моҳияти, нима эканлиги. *Мана энди ўша инглиз отлиғ аждаҳонинг Туркистон тарафга ўрмалашининг маънисини идрок қилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қизни бешикда унашиб қўйган эканлар. Шу бола хотиннинг маънисини билադими?* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЪНИЛИ Маънога эга (*қ.* **маъни 1-3**). *У мулойим табиати, соддалиги.. маънили гапи, куч-қуввати билан одамларга ёқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Анча тадбиркор, маънили кўринади бу Дониёров деганлари.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

МАЪНО [*а.* معنى — мазмун, тушунча, ғоя] **1** Сўзнинг мазмун томони, сўз билан ифо-

даланган тушунча. *Сўзнинг тўғри маъноси. Сўзнинг кўчма маъноси.* ▬ *Мен, одатим бўйича, сўзларнинг маъноларини ва номларнинг номланган нарса билан муносабатини билишга қизиққанимдан: -У қишлоқни нега Тезгузар деб атаганлар? — деб сўрадим.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *айн.* **мазмун.** *Гавҳар бу гапдан «қўлимдан келса, ёрдамимни аямайман» деган маънони уқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унсин қошини чимириб, ялт этиб Гулнорга қаради, лекин сўнгги жумланинг маъносини, нечундир, сўрамади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Баъзи хатти-ҳаракат ва ш. к. дан англашиладиган нарса; ифода. *Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маънони англадида: -Шуни тўғри айта қолсангиз, нима бўлар экан! — деди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Унинг важоҳатидан «нега келдинг», деган маъно борлигини Азиза тушунди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Бирор нарсанинг моҳияти, нима эканлиги; моҳият. *Самандаров заҳарханда қилди: -Бу қанақа мусобақа бўлди? Мусобақанинг маъносини тушунасанми ўзинг?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Демак, ирсиятнинг маъноси — оқсил синтез қилиш қобилиятининг наслдан наслга ўтишидир.* «Фан ва турмуш».

Бундан маъно чиқмайди Бундан фойда, натижа чиқмайди. **Маъно бермоқ** Тушунмоқ, талқин қилмоқ. *Замиранинг дами чиқмай қолганига Очил ўзича маъно берди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Маъноси йўқ** Фойдаси йўқ. *..«водород» билан «кислород»ни арабчага таржима қилиб ўтиришдан маъно йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАЪНОВИЙ Маънога оид, тегишли. *Шоирнинг ҳар бир шеърида табиат тасвирига маъновий «нагрузка» юкланади.* «ЎТА».

МАЪНОДОР [*а.+ ф.* معنى دار — кўп маъноли, таъсирчан; мазмунли] *айн.* **маъноли.** *Унинг* [*Тоҳиржоннинг*] *катталашган қора кўзлари чироқда аллақандай умидсиз, лекин маънодор ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Элмурод Ойимхоннинг маънодор, текширувчи саволларидан завқланиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАЪНОДОШ Маъноси бир, маъно жиҳатидан тенг ёки яқин. *Маънодош сўзлар.* ▬ *Келтирилган мисоллардаги «мадор — кучқувват», «қувонмоқ — суюнмоқ» маънодош сўзларининг барчаси ўз маъноларида қўлланган.* «ЎТА».

МАЪНОЛИ 1 Маъноси бўлган, бирор маъно билдирадиган. *Маъноли гап. Чуқур маъноли ибора. Кўп маъноли сўз.*

2 Чуқур мазмунга эга бўлган, сермазмун. *Одамшаванда, гапи, сўзи маъноли бу хаста йигитни Йўлчи яхши кўрар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор маъно ифодалайдиган, бирор нарсага ишора қилувчи, шамали. *Маъноли нигоҳ.* ▬ *Ҳакимбойвачча лабини тишлаб, укасига маъноли қараб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ақл-идрок, мулоҳаза билан иш қиладиган, жиддий, бамаъни. *Маъноли одам.*

МАЪНОСИЗ Маъноси йўқ, маъно чиқмайдиган; мантиқсиз, бемаъни. *Маъносиз гап. Маъносиз иш.* ▬ *Йўлчи қаёққа бош уришни, кимнинг ёқасидан тутишни билмай.. тентиб юрди.. Энди унинг хаёлида ҳамма нарса бўш ва маъносиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЪРАКА [*а.* معركه — жанг, уруш; йиғин] **1** *дин.* Мотам маросимларининг йиғиндиси ва уларнинг ҳар бири. *Гулсумбиби.. қизининг бутун маъракасини ўтказгандан кейин, қабрга ҳайдасалар ҳам дадил боришга тайёрлигини сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Собир Одил буванинг маъракаларига ўзи бош бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Тўй, томоша ва ш. к. муносабати билан бўладиган йиғин, маросим. *Шу-шу бўлди-ю, Норбувининг мартабаси ошиб, ҳар бир маърака унинг маслаҳатисиз бўлмайдиган бўлиб қолди.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 Жанг майдони; жанг. *Маърака — мардники.* Мақол.

4 *кўчма* Сиёсий ёки хўжалик аҳамиятига эга бўлган бирор ишни амалга ошириш учун ўтказиладиган ялпи ҳаракат; кампания, *Терим маъракаси бошланган кунларданоқ Олимжон оғизга тушиб қолди.* Ҳ. Назир, Қанотлар. *Шундан кейин колхозлаштириш маъракасига оид масалаларни муҳокама қилишди.* Ҳ. Шамс, Душман.

МАЪРАМОҚ «Ма-а» деган овоз чиқармоқ (моллар ҳақида). *Қўй маъради.* ▬ *Подачининг товушини эшитиб, далага ошиққан онасига эргашиб, қашқа бузоқ ҳам маъраб юборди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Еб туриб маърайди Тўла-тўкис таъминлангани ҳолда у билан қаноатланмайдиган, яна талаб қиладиган шахсга нисбатан қўлланади. *Қачонгача еб туриб маърайсан.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўғрига мол қаҳатми? У еб туриб маърайдиган очкўзлардан.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАЪРИФАТ [*а.* معرفت – билим, фан; маълумот; танишиш] **1** Таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият. *Маърифат.. билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамрайди.* «Мулоқот». *Эндиликда илмни оддий кишиларга хизмат қилдириш керак, ҳаммани саводли қилиб, халқни маърифат нури билан ёритиш керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *дин.* Тасаввуфда ҳар бир суфий руҳий камолотга эришиш йўлида босиб ўтадиган босқич (мақом)лардан бири (*қ.* **мақом** II **4**).

3 Маърифат (хотин-қизлар исми).

МАЪРИФАТЛИ Маърифатга эришган. *Ўзбекистон Шарқнинг гуллаб ва яшнаб турган маърифатли ўлкасига айланди.* Газетадан. *Бошга рўмол ташлаган билан иффатли ва маърифатли бўлавермайди.* Газетадан.

МАЪРИФАТПАРВАР Маърифат учун курашувчи; маърифат ҳомийси ва тарафдори. *Маърифатпарвар шоирлар.* ▬ *У [Шоҳрух Мирзо] фуқаропарвар, маърифатпарвар бўлиб, Меъморга меҳрибонлик кўрсатиб, пешонасини силагандек бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАРИФАТПАРВАРЛИК Маърифатпарвар бўлиш; маърифатга алоқадор (оид) иш, фаолият. *Маърифатпарварлик – фойдали иш. Янги усулдаги мактабларнинг болаларга жуда нафи катта.* К. Яшин, Ҳамза.

МАЪРИФАТЧИ Маърифат учун курашувчи, маърифатпарвар (шахс). *25 сентябрь.. маърифатчи шоир Зокиржон Фурқат туғилган куннинг юз йиллигига бағишлаб.. илмий сессия ўтказилди.* Газетадан.

МАЪРИФАТЧИЛИК *тар.* Маданият ва маънавият соҳасида Ғарбда 17-аср охири – 18-аср бошларида, Шарқда 19-аср охири – 20-аср бошларида майдонга келган, негизини фан, билим имкониятларига ишонч ташкил этган оқим, йўналиш. *Шарқ маърифатчилиги умуман динга қарши эмас, балки диний ақидапарастликка қарши бўлган.* «ЎзМЭ».

МАЪРИФИЙ Маърифатга оид. *Жомий катта ва қимматли адабий, илмий ва маърифий мерос қолдирди.* Газетадан.

МАЪРУЗА [*а.* معروضه – ёзма арз, ариза; хабарнома] **1** Бирор мавзуда кўпчилик олдида айтилган (сўзланган) нутқ. *Мен клубга кирганимда, маъруза тугаб, музокарага, савол-жавобга ўтилган экан.* «Муштум».

2 Раҳбар орган ёки бошлиққа берилган ёзма маълумот, ахборот. *Каримов шаҳарга келганининг иккинчи куни район шўросига кириб, ёзма маъруза берди.* Ҳ. Шамс, Душман.

МАЪРУЗАЧИ Маъруза қилувчи (ёки қилган) шахс. *Музокарачи зиёлиларнинг ер ислоҳотидаги вазифалари ҳақида маърузачи томонидан эслатилмаган масалалар тўғрисида сўзлаб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАЪРУФ [*а.* معروف – ҳаммага таниқли, билимли; маъқулланган] **1** *эск. кт.* Таниқли, машҳур. *Маълум ва маъруф одамлар.*

2 Маъруф (эркаклар исми).

Амри маъруф *қ.* **амримаъруф.**

МАЪСУМ [*а.* معصوم – сақланган, дахлсиз; гуноҳсиз, пок] **1** *кт.* Бегуноҳ, пок, тоза. *-Тақсир, сиз менинг мактабимни бузмадингиз, бу ерга одам бўлармиканман, илм олармиканман, деб инсоний ният билан келган маъсумларнинг кўнглини буздингиз, – деди Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Номусли, иффатли. *Ўша кечада шундай пок ва маъсум кўринган бу қиз бунчалик беҳаё бўлиб чиқишини, унинг энг азиз туйғуларини шунчалик ҳақорат қилишини ўйлаганмиди?* О. Ёқубов, Тилла узук.

3 Маъсум (эркаклар исми).

МАЪСУМА 1 Маъсум аёл. *Ўқиб бер ўзинг каби мазлумаларга, Кўчаларда соврилган маъсумаларга.* Ғайратий.

2 Маъсума (хотин-қизлар исми).

МАЪСУМОНА Маъсумларча, поклик билан, пок. *Маъсумона табассум қилмоқ.*

МАЪТАЛ [*а.* معطل – бекор қолган, бекорчи; муддати ўтган] *айн.* **маҳтал.** *Олим отларга қарашиб турди. У «Отларни эгарла!» деган фармонга маътал.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Сафаров.. Самандаров ҳануз жавобга маътал турганини кўриб: -Колхозчиларнинг ўзларидан яхшироқ маслаҳат чиқади, – деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Маътал бўлмоқ Мунтазир ҳолатда бўлмоқ. *Ҳар қалай, буйруққа маътал бўлиб, шайланиб турибмиз.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Маътал қилмоқ** Мунтазир қилмоқ; куттирмоқ. *..икки биродарни маътал қилиб қўймай.. талабларини ерига етказдилар.* К. Алиев, Қабрга кўмилган ишоратлар.

МАЪШУҚ [*а.* معشوق – севимли; маҳбуб; хуштор, жазман] *кт.* Икки севишганнинг бири; севикли ёр, севгили. *Парво қилма, ўлиб кетди аждаҳор, Келиб маъшуқини топгандир Шакар.* «Ширин билан Шакар».

МАЪШУҚА Маъшуқ аёл. [*Отабек:*] *Ой юзли рафиқам, қундуз қошли маъшуқам Кумушхонимга!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЪЮБ [*а.* معيوب – камчилиги, нуқсони бор, айбли] *эск. кт. айн.* **айбдор**. *Қора курсида бир жамоа маъюблар.. ўлтирибдирлар.* «Муштум».

МАЪЮС [*а.* مأيوس, ميئوس – умидсизланган, руҳи тушган] *кт.* **1** Ноумид, тушкун ҳолатли; тушкун. [*Отабек*:] *Бу ерда сўзимни эшитувчи биров ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам, «сенинг арзингни шу хонлар ижро қиладими?» деб, мени маъюс қилдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қиз умид билан кўтарган бошчасини яна ёстиққа қўйди. Нон илинжида чақнаган йирик кўзлари маъюс юмилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эзилган, ғамгин ҳолатли; хомуш. *Унинг маъюс чеҳрасига қараб туриб, Жавлон баттар эзилиб кетди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Катта-кичик, ёш-қари эркак-аёллар оқими кўнгилдан йиғлар, уларнинг кўз ёшларини маъюс эгилган бошлари ифода қилар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўйларимда толган ўйчан тол Маъюсгина эгмиш бошини.* Ҳ. Абдуназар, Анжир гули. *Қишлоқ чоллари мурдалар қошига аста қадам ташлаб келишдида, тиз чўкиб, маъюс ҳолда анча сукут қилишди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

МАЪЮСЛАНМОҚ Маъюс бўлмоқ, маъюсликка тушмоқ. *-Кечқурун далада олисдан ўт кўрсам, овулим эсимга тушади, – маъюсланиб деди Ўроз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзи ота-оналар касал болани врачга кўрсатиб даволаш ўрнига койиб, ўсал қиладилар ва бола баттарроқ маъюсланади.* «Фан ва турмуш».

МАЪЮСЛИК Маъюс ҳолат, маъюс кўриниш. *Отабек Зайнабнинг юзидаги маъюсликни биринчи кўришдаёқ сезди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мукаррам негадир хафа, аллақандай нарса.. кўзларига маъюслик, юзларига сўлғинлик кўланкасини соларди.* С. Кароматов, Матонат.

МАЪЮСОНА Маъюс бўлиб, маъюслик билан, ғамгин. *Бир оз жим қолдилар.. Офтоб ойим энтикиб оғир нафас олди ва маъюсона Кумушга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЪҚУЛ [*а.* معقول – оқилона; мантиқий; тушунарли] **1** Талаб-истакка тўғри келадиган; мақбул. *Маъқул иш. Маъқул гап. Маъқул фикр.* ▬ *Комплекс лойиҳалар ҳозир сероб. Маъқулини танлайсиз, қураверасиз.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Низомиддинов ишни бир ёқлама олиб боряпти. Шу одамнинг иши менга унчалик маъқул эмас.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 (кесим вазифасида ёки таркибида) Яхши, дуруст. *Ёки ўзини кўрмасдан, ғойибона севиб юрганим маъқулмикан?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Нонушта қилаётганимизда, мана бу чўқморни унга айтиб қўйганимиз маъқул.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Маъқуллаш, розиликни билдиради: яхши, дуруст, хўп. *Маъқул, маъқул, бой ота, сояи давлатингиз кам бўлмасин!* Ойбек, Танланган асарлар. *..Эрта билан йўлга чиқайлик. -Маъқул, – деди Меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Гап-сўзни қайтармайдиган; ювош. *Башорат хола қаршисида опасини хуноб қиладиган енгилтак Олимжон эмас, балки оғир табиатли, мўмин, маъқул ва эс-ҳушли, бутунлай бошқа бир бола тургандай эди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

Маъқул бўлмоқ (*ёки* **келмоқ, тушмоқ**) Мақбул деб қабул қилмоқ. *Гапим икковига ҳам маъқул бўлди, шекилли.. у ёғи кўнгилдагидек бўлди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бу гап залда ўтирганларга ҳам маъқул тушди.* «Ёшлик». *Каромат хола, ҳатто бирор нарса ўзига ҳаддан ташқари маъқул келса ҳам, ўша нарсани қарғаб-қарғаб мақтарди.* Ю. Шомансур, Қора марварид. **Маъқул қилмоқ** Маъқул деб тан олдирмоқ; маъқуллатмоқ. *У дўстларига тунов кунги шеърини маъқул қила олганига қувонарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАЪҚУЛЛАМОҚ Маъқул деб билмоқ, мақбул топмоқ; қувватламоқ. *Унинг бош энергетик бўлганини эшитган биров маъқуллар-ди, бировга алам қиларди.* Ҳ. Олимжонов,

Тақдир тақозоси. *Элликбоши бу фикрни маъқуллади ва ўзи ҳам бу хусусда анча маълумот берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЯК *айн.* **маёқ**.

МАЯТНИК [*р.* маять – «у ёқ-бу ёққа қимирлатмоқ, тебратмоқ» фл. дан] **1** Юқори учи қўзғалмас нуқтага осиб қўйилган, пастки учига оғир юк ўрнатилган тебранувчи стержень.

2 Қўл ва ён соатларининг юришини мунтазамлаштириб турувчи, ўз ўқи атрофида гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга бир тартибда тебраниб турадиган деталь.

МАҚБАРА [*а.* مقبره – қабристон, гўристон] Қабр устига қурилган меъморий иншоот ёки тош тобут; даҳма, сағана. *Исмоил Сомоний мақбараси. Шоҳи Зинда мақбараси.* ▬ *Қушбеги ўтирадиган жойнинг шарқ томонида бир мақбара бўлиб, унда кечалар чироқ ёқилади.* С. Айний, Дохунда.

МАҚБУЛ [*а.* مقبول – қабул қилинган, маъқулланган] *кт.* Қабул қилса, маъқулласа бўладиган, маъқул келадиган. *Мақбул гап. Мақбул асар. Мақбул бўлмоқ.* ▬ *Маъқул ва мақбул тадбирни шояд сиз жанобдан эшитгаймиз.* Ойбек, Навоий. *Ҳамадоний ва Фарҳод Ойнагулни она юртига ўтказиб юборишнинг мақбул йўли ҳақида аниқ фикрга келишди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

МАҚОЛ [*а.* مقال – мақола, кичик асар; сўз, нутқ] Ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли, тугал маъноли ва ҳикматли ибора, гап. *Ўзбек халқ мақоллари.* ▬ *Махдум.. Анварнинг бирор камбағал билан «эзилишиб» ўтирганини кўрса.. «Сут билан кирган, жон билан чиқар» мақоли кўп тўғри сўз, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАҚОЛА [*а.* مقاله – нутқ; кичик асар] Тўплам, журнал, газета ва ш. к. учун ёзилган ёки уларда босилган, ҳажми унча катта бўлмаган илмий ёки публицистик асар. *Газетанинг бош мақоласи. Мақола ёзмоқ.* ▬ *Сидиқжон овқатдан кейин қўлига газета олган эди, бир мақолани яримлатмасдан, кўзи сузилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *[Ш. Рашидов] Редакцияга фронтдан, кейинчалик госпиталдан шеърлар ва публицистик мақолалар йўллаб турди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Луғат мақоласи Луғатларда ҳар бир сўзнинг (бош сўзнинг) тавсифига оид тугал материал.

МАҚОЛАНАВИС [*а.* + *ф.* مقاله‌نویس – мақола ёзувчи] *эск. айн.* **журналист.**

МАҚОМ I [*а.* مقام – жой, ўрин; товушлар қатори, куй (оҳанг) тузилиши] **1** Мусулмон Шарқи мусиқасида мусиқий оҳанг, куй йўли, тартиби, шакли ва жанри. *Саидий ўлтирган ерида машқ мақомига тебранар эди.* А. Қаҳҳор. Сароб. *Ашула ниҳоятига етди. Лекин бир зумдан кейин яна айни товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 «Шашмақом» деб аталган олти қисмдан иборат ўзбек мумтоз мусиқа асарининг ҳар бир қисми. *«Наво» мақоми. Мақомлардан парчалар.* ▬ *Шерозийнинг қўлларида соз, Гуркирайди мақом куйлари.* Э. Раҳим.

3 Тартиб, ўлчов. *Узун сариқ капгирини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта девор соати узиб-узиб данғиллай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Ўйинда усулга, ритмга мос қўл, оёқ, бадан ва юз ҳаракати; муқом. *Шўх йигитлар ўйинчининг мақомига қийқириқ билан жавоб берардилар.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

5 *кўчма с. т.* Хатти-ҳаракат, усул; йўл. *Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.* Мақол. ▬ *Носирхон тўра жуда мунофиқ.. иғвогар одам экан. Бизга қарши курашмоқ учун ўзини ҳар мақомга солди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МАҚОМ II [*а.* مقام – вазият, мавқе; ўрин, жой; даража, мартаба] *кт.* **1** Ўрин, жой.

2 Мартаба, мавқе. *Олий мақомга эришмоқ.* ▬ *Бу учинчи оилага кўчишда Анварни энг хурсанд қилган нарса мактабдаги болаларнинг озор беришларидан қутулиши ва домланинг асранди ўғли мақомини олиши бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *ҳуқ.* Сайлаб қўйиладиган шахслар, фуқаролар, давлат идоралари, ташкилот, муассаса, халқаро ташкилотларнинг меъёрий ҳужжат билан расмийлаштирилган ҳуқуқий ҳолати. *Таъсис ҳужжатлари тўла-тўкис ва нуқсонсиз бўлса, диний ташкилот давлат рўйхатига олиниб, юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун доирасида фаолият юрита бошлайди.* Газетадан.

4 *дин.* Тасаввуфда ҳар бир суфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлардан бири ёки

ҳар бири (аксар манбаларда тўрт мақом: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат тилга олинади).

МАҚОМЧИ «Шашмақом»ни биладиган, мақом куйларини ижро этадиган созанда, хонанда. *Ўзбекистон радиоси ҳузурида мақомчилар ансамбли ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ.* Газетадан.

МАҚСАД [*а.* مقصد – ният, юқори тилак; интилиш] **1** Эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао. *Ўқишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқ. Мақсадга етмоқ. Мақсадга эришмоқ.* ▬ *Холжонбеканинг шаҳарга тушишидан мақсади Шерназарбойни бир кўриш эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 3-ш. эгалик, ў.-п. к. қўшимчалари билан (**мақсадида**) *кўм. взф.*: мақсад, сабаб муносабатини билдиради: учун; ниятида. *[Ҳасанали] Отабек билан бирга чой ичиш мақсадида, эрталаб Ойбодоқнинг дамлаган чойига бормай, Отабекнинг уйғонишини кутиб юрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАҚСУД [*а.* مقصود – исталган, талаб қилинган, мўлжаллаб қўйилган; ният, истак] **1** *эск.* Мақсад, мурод. *Бунда келмоғликдан яна бир мақсудим шулким.. жаноблари ижозат буюрсалар, Вали аканинг ўғлини олиб кетсам.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мақсуд (эркаклар исми).

МАҚТАМОҚ Яхши томонларини, фазилатларини кўрсатиб гапирмоқ, яхши қилиб кўрсатмоқ. *Ўзини мақтамоқ. Ўқувчини мақтамоқ.* ▬ [*Офтоб ойим:*] *Чиройли йигит, ақлли йигит, деб мақтай-мақтай Тўйбеканинг ичаги узилди, у ким эди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нонвойлар.. гоҳида саватларини бурнингизнинг тагига келтириб, нонларини сўлқиллатиб мақтайдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАҚТАНАРЛИ Мақтанса арзийдиган, мақтовга сазовор, лойиқ. *Мақтанарли ишлар. Мақтанарли натижалар.*

МАҚТАНМОҚ Ўзини улуғлайдиган, мақтайдиган гаплар айтмоқ. [*Тожибой*] *Районда ва бошқа раислар олдида «Мактаб қураётибман», деб мақтанди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАҚТАНЧОҚ Ўзини ўзи мақтайдиган, мақтанишни яхши кўрадиган. *Бу нарса уни найрангбоз, алдоқчи, тилёғлама, мақтанчоқ, ваъдабозга айлантириб қўяди.* Газетадан.

МАҚТАРЛИ Мақтаса арзийдиган, мақтовга сазовор, лойиқ. *Ҳовлининг кунчиқаридан кунботишга қаратиб солинган, унча мақтарли бўлмаса ҳам, замонасининг олдинги биноларидан ҳисобланган бир айвон билан бир уйга кўз тушади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАҚТОВ Мақтаб айтилган ёки ёзилган сўз, гап. *Уларнинг баъзи мақолалари ва тақризлари фақат мақтовлардан иборат бўлиб қоляпти.* Газетадан. *Раиснинг охирги якунловчи сўзи ҳам.. мақтовдан нари ўтмади.* С. Анорбоев, Оқсой.

Мақтов қоғози Ўрнак бўларли ишлари, ютуқлари, хулқи учун бериладиган расмий ҳужжат.

МАҚТОВЛИ 1 Мақтовга сазовор бўлган, мақталган. *Мақтовли йигит.* ▬ *Қизини мақтовли куёвга бериб, кўйлагига сиғмай юрган Офтоб ойим учун куёвигина эмас, ҳатто эрининг ҳам бу вартага [гирдобга] тушмоғи чидай оларлик бир ҳол эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Мақтов маъноли, мақтов айтилган. *Сени кўриб тўймас кўзлар кўп, жоним. Сен учун мақтовли сўзлар кўп, жоним.* Р. Бобожон.

МАҚТУЛ [*а.* مقتول – ўлдирилган, қатл этилган] *эск. кт.* Қатл этилган, ўлдирилган. *Мақтулларнинг эгалари ҳеч ишни текширмай қўйдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳали жони чиқмаган мақтулни ўз ҳолига ташлаб, иккинчи бандининг бошини ҳам шу тарзда кесдилар.* С. Айний, Қуллар.

МАҚТУЛА *эск. кт.* Қатл этилган аёл. *Фақат мақтуланинг яқинларигина бу жанозага етиб келолмадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАҒЗАВА 1 Кир ювилган совунли сув. *Кир тоғораси ҳам ҳовлининг ўртасида мағзаваси билан қолаверди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Мағзава тўкадиган жой ҳам йўқми? Бўл!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 *кўчма салб.* Эзма ва шалвираган, майдагап, ланж одам ҳақида. *Бўлди. Кўп мағзава бўлаверманглар. Мен айтадиган гапимни айтдим.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

Мағзаваси чиқмоқ *ёки* **мағзавасини чиқармоқ** Расво бўлмоқ (расво қилмоқ). *Оғзидан «шахмат» «квадрат», «илғор метод» деган гаплар тушмаяпти. Унинг шахмати оёққа туриб кетса, Зуннуновнинг мағзаваси чиққа-*

ни. И. Раҳим, Ихлос. *Сизни, мана бу ерда кампирни кўпни кўрган эсли-ҳушли одамлар.. деб ишониб юрсам, ишнинг мағзавасини чиқарибсизлар-ку!* С. Кароматов, Ҳижрон. **Устидан** (*ёки* **устига**) **мағзава тўкмоқ** (*ёки* **ағдармоқ**) Фисқ-фасод, ғийбат, иғво, туҳмат гапларни айтмоқ. *..сохта гувоҳликка ўтган. Устидан мағзава тўккан.* С. Анорбоев, Оқсой. *Худодан қўрқиб, бандадан уялингэй.. устига мағзава ағдаравер асизми. Ким билади, балки янглишдир.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

МАҒИЗ I [*ф.* مغز – мия: илик; ўзак; ақлидрок; моҳият] *(3-ш. бирл.* **мағзи**) **1** Данак, ёнғоқ каби қаттиқ пўчоқли меваларнинг ички қисми. *Данак мағзи. Ёнғоқ мағзи.* ■ *Ипга чизилган бир шода мағизни билагига осиб олган Дилшод хурсанд, икки юзи анордек қизариб турар эди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

2 Бирор нарсанинг ички қисми. *Миришкорлик билан таралган сув ернинг мағиз-мағзига сингиб, ғўза тупларининг ҳусни-жамолини очиб юборди.* А. Шермуҳамедов, Пискентлик паҳлавон. *Етилтириб узилмаган ноннинг мағзи хом қолиб, сифати бузилади.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Асосий моҳият, мазмун. *Масаланинг мағзи. Гапнинг мағзи. Шоир ижодининг мағзи.* ■ *Ёппасига ва батамом қуролсизланиш ғояси таклифларимизнинг мағзи, ўзагидир.* Газетадан. *Шеъриятдаги ушбу йўналиш фалсафий лириканинг мағзини ташкил этади.* «ЎТА».

Мағзини чақмоқ Бирор нарсанинг моҳиятини, мазмунини англаб етмоқ. *Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Мана бу гапнинг мағзини чақ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозир ҳам ҳамма жойда одамлар бу нутқнинг матнини қайта-қайта ўқиб, мағзини чақмоқдалар.* Газетадан.

4 *Қора, сариқ* каби сўзлар билан қўлланиб, киши бетининг рангини, шу рангга мойиллигини мағизга нисбатлаб билдиради. *Ҳусайн Бойқаро бу вақтда ўн саккиз ёшга тўлган, қизил мағиз, барваста йигит бўлган эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Озғин, баланд бўйли солдат қора мағиз бир йигитнинг қулоғига нимадир деб шивирлади.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

Сариқ мағиз буғдой Буғдойнинг тоза, сарғиш рангли бир тури.

МАҒИЗ II *(3-ш. бирл.* **мағзи**) Кийим, кўрпа кабиларнинг четига икки қават қилиб тикилган, ранги шу нарсалардан бошқача бўлган тасма; адип, паровуз. *Кўрпа мағзи. Икки ёнига қизил мағиз тутилган шим.* ■ *Тошпўлатов ёқасининг рахи, енгининг учига сариқ клеёнкадан мағиз қилинган фуфайкасини ечиб, қозиққа илди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МАҒЛУБ [*а.* مغلوب – енгилган, тор-мор қилинган] *кт.* Енгилган, мағлубиятга учраган. *Ҳаёт бир пойгадир, дейди, ўзиб кет, Майдондан чекинсанг, мағлубсан, ўртоқ.* Г. Жўраева. *Тағин ёдингда тут: босқинчилар мағлуб халқни алдаш учун ҳамма вақт олдин шундай мурувватлар ҳам қилади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

Мағлуб бўлмоқ Енгилмоқ. *Бунга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди, – деди.. ва шу билан мағлуб бўлганини англатиб қўйди.* Ў. Ҳакимали, Навбаҳор. **Мағлуб қилмоқ** Енгмоқ. *Соколов қушбегини руҳан мағлуб қилганлигидан мамнун жилмайиб қўйди-да, истеҳзо билан жавоб берди.* К. Яшин, Ҳамза.

МАҒЛУБИЯТ [*а.* مغلوبيّت – енгилиш, мағлуб бўлиш] **1** Уруш, жангда енгилиш. *Мабодо мағлубият хавфи туғилса, орқага қайтариш энг содиқ сарбозларига топширилар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Баҳс, беллашув, мусобақа кабиларда ютқазиш; ютқизиқ. *Бу якун, бу хотима Толиб акага мутлақо ёқмади. Бу ғирт мағлубият эди-да!* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Мағлубиятга учрамоқ Енгилмоқ. *Аҳмад Мирзо бир ярим соатлар чамаси орқада жангни кузатиб туриб, ўз қўшинининг мағлубиятга учраётганини сезди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАҒОРА [*а.* مغاره – ғор, ер ости, ертўла] *эск. кт.* Ғор; ғорлар. [*Жамила*:] *Кетамиз! Мағорада яшасак ҳам, ишқимни куйлаб, сизни аллалай!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бу мағора («Партов» ғори) 1938 йилда қазилган. Бешиктош ғори сингари ибтидоий кишиларнинг ажойиб макони бўлиб чиқди.* Я. Ғулом, Мағоранинг сири.

МАҒРАМОҚ *с. т.* Маърамоқ.

МАҒРИБ [*а.* مغرب – кунботар (жой ва вақт); ғарб; оқшом] *эск. кт.* Ғарб, кунботар. *Бир тўда йигит мағрибдан то машриққача етган лак-лак лашкари бўлган темурийлар салтанатини қулата олармидингиз!* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАҒРУР [*а.* مغرور – ақлдан ажралган, алданган; ўзига бино қўйган, кеккайган] **1** Ўз қадр-қиммати, ғурурини сақлаган; ғурурли. *Қосимбек ялт этиб Авазга боқди. Унга йигитнинг ўзини эркин, ҳатто жиндай мағрур тутиши ёқди.* С. Сиёев, Аваз. *Унсин хизматкорхона эшигида мағрур, лекин ўйчан ҳолда турган акасини кўриши билан югуриб бориб, уни қучоқлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Асоссиз ёки ортиқ даражада ғурурли бўлган, ўзини шундай тутадиган; кеккайган; манман; *зид.* **камтар.** *Камтар бўлинг, мағрур бўлманг, кеккайманг.* Ҳабибий. *Гап камтарлик ҳақида борар экан, кўз ўнгимда ажойиб фазилатли кишилар, шу билан бирга, гердайган, мағрур, калондимоғ баъзи кимсалар гавдаланади.* Газетадан. *У илгариги мағрур ва «манман» Тожибой эмас, хийлагина ҳовуридан тушган ва анча мулойимлашиб қолган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Туриш-тузилиши, кўриниши виқорли. *Ҳаворанг тоғ мағрур ястаниб ётар..* Ю. Ҳамдам. *Жўрақул вагон деразасидан баҳор либосига бурканган ям-яшил далаларга, кўкка бўй чўзиб, мағрур қад кўтарган ўрмонларга ифтихор туйғулари билан қараб борарди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

МАҒРУРЛАНМОҚ Мағрурлик, ғурур ҳиссини туймоқ; ғурурланмоқ. *Сафарда дўстларинг кўп бўлсин. Мағрурлансин улар сен билан.* А. Мухтор.

2 Ўринсиз (асоссиз) ёки ортиқ даражада ғурурга берилмоқ; кеккаймоқ, гердаймоқ. *Мағрурланиш, кўкракка муштлаш, кўзни шира босиш ёмон нарса.* «Муштум».

МАҒРУРЛИК Мағрур бўлиш, мағрур ҳолат, ўзини ғурурли тутиш. *Уларнинг ҳаракатидаги ишонч ва хотиржамлик хотинга ғолибларнинг.. мағрурлиги бўлиб кўринди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ажойиб бир халқнинг лобар қизисиз. Сиздан мақтанчоқлик, мағрурлик йироқ.* Зулфия.

МАҒРУРОНА Мағрурлик билан, ғурур билан, ғурурланиб. *-Мен, – деди Шокир мағрурона бир оҳанг билан, – «ҳуррият»дан кейин Эроннинг қандай обод бўлганини газеталардан ўқиб, билиб айтаётирман.* С. Айний, Қуллар.

МАҲ *унд. с.* Ит ва б. баъзи ҳайвонларни чақиришни билдиради. *Бу итни биламан.. мени танийди. Маҳ, Тўрткўз, маҳ!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Қоронғида овоз эшитилди: -Тоймас, Тоймас, маҳ, маҳ! – Булар чўпонлар Жонтой билан Отақул эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАҲАЛ I [*а.* مهل – муҳлат, фурсат; замон, вақт] **1** (фақат аниқловчи сўз билан) Пайт, вақт. *Тонг маҳали. Чопиқ маҳали. Тушлик маҳали. Ҳеч маҳал. Ҳар маҳал.* ▬ [*Ойимхон:*] *Эртага ўқиш маҳалида қўлингиз тегса, бир келиб хабар олинг.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шу йўсин икки шўрпешона узоқ маҳалгача бир-биридан айрилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Марта, бор (пайт эътибори билан). *Ҳар куни икки маҳал овқатланмоқ. Уч маҳал дори ичмоқ.*

МАҲАЛ II [*а.* محلّ – жой, ўрин; хона] Чекка, атроф жой (марказга нисбатан). *Маҳаллардан келган вакиллар. Маҳаллардан олинган хабарлар.*

МАҲАЛЛА [*а.* محلّه – жой, ўрин, макон] **1** Шаҳарнинг маълум бир ҳудудни ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бирлашган, ўзини-ўзи бошқаришга асосланган ижтимоий-ҳудудий бўлаги. *Маҳалла аҳолиси. Маҳалла қўмитаси раиси. Маҳалла жамғармаси. Маҳалла идораси. Тошкентнинг Янгиобод маҳалласи.* ▬ *..бой салмоқли равишда гапира бошлади: -Алҳамдулилло, ҳаммамиз мусулмонмиз, бир отанинг болаларимиз, бир маҳалладамиз, тобуткашмиз, ҳар кун бир-биримизга саломалик қиламиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ишга бутун маҳалла аҳлини кўтариб, оёққа турғизган ким?* «Гулдаста».

2 Айни бир ҳудуд (маҳалла)да яшовчилар; маҳалла оқсоқоллари. *Тўй масаласида маҳалла нима деса, шу бўлади.*

3 Маҳалла кенгаши ва у ўрнашган бино; маҳалла гузари. *Мен маҳаллага бир чиқиб келай-чи, нима янгилик бор экан.*

МАҲАЛЛАДОШ Бир маҳаллалик, бир маҳаллада яшовчи. *Етти ёшга тўлганимда, кўпчилик маҳалладош қизлар каби мен ҳам мактабга бордим.* Газетадан.

МАҲАЛЛАЛИК Бирор маҳаллада яшовчи киши. *Шу маҳаллалик йигит. Бир маҳаллалик болалар.*

МАҲАЛЛАЧИЛИК Бирор иш, тартиб ва ш.к. нинг сабаби бир маҳаллада туриш билан боғлиқ эканини билдиради. *Маҳаллачилик, элдан қолиб бўлмайди, кирдик.* С. Аҳмад, Сайланма.

МАҲАЛЛИЙ 1 Маҳалларга, атроф-жойларга оид. *Маҳаллий вақт. Маҳаллий саноат. Маҳаллий шароит.* ▬ *Элмурод ўйчан бир ҳолда нон кавшаб, чой ичар экан. Ойимхон икир-чикир маҳаллий янгиликлар тўғрисида унга маълумот берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Стол ёнида марказий ва маҳаллий газеталар.. қават-қават қилиб суяб қўйилган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ерлик. *Маҳаллий кадр. Маҳаллий халқ.* ▬ *Ҳамма ерда жангчиларимизга маҳаллий аҳоли ва партизанлар ёрдам кўрсатишди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди *..битта полициячи, яна иккита киши – маҳаллий амалдор бўлса керак, миллий кийимда эди.* К. Яшин, Ҳамза.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРМОҚ Маҳаллий шароитда қўлламоқ, маҳаллий шароитга мослаштирмоқ. *Экинни маҳаллийлаштирмоқ.*

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК Маҳаллий манфаатларнигина кўзлаб иш тутиш. *Ҳалиги қавмдаги муаллифлар энди ошкора ошна-оғайнигарчилик, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик йўлига ўтиб олдилар.* Газетадан.

МАҲБАС [*а.* محبس – қамоқхона; омборхона] *эск.* Ҳибсхона, қамоқхона. *Маъшуқа маҳбасига тушган Анвар ўлтуриб чидолмади, кафшини кийиб, ўрнидан турди, музлаган оёғини иситиш.. учун уй бўйинча кезина бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАҲБУБ [*а.* محبوب – севимли, севгили] *кт.* Севимли киши; ёр. *Севганини солиб эсига, Сен маҳбублар ёнида ўлтир.* А. Исроилов. [*Ҳусайн Бойқаро:*] *Юрак дардларини фақат май ва маҳбубларгина юпатади.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

МАҲБУБА 1 *кт.* Маҳбуб аёл; маъшуқа. *Йигит маҳбубасининг нозик қўлларидан тутиб, ўзига тортарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Маҳбуба (хотин-қизлар исми).

МАҲБУС [*а.* محبوس – қамалган, қамоққа олинган] Зиндонга солинган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган киши. *Орадан беш кунлар ўтди, маҳбуслар зиндон балосидан қутула олмаганларидек, уларнинг қамалиш сирлари ҳам ҳеч кимга билинмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу қишлоқларда, асосан, Россиядан қувғин қилинган сиёсий маҳбуслар яшарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАҲВ [*а.* محو – йўқ қилиш, тугатиш]: **маҳв бўлмоқ** *кт.* Йўқ бўлмоқ, битмоқ. *У пайт биз киргандик жангга, Бугун эса маҳв бўлмиш ғаним.* «Шарқ юлдузи». **Маҳв қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Йўқ қилмоқ, битирмоқ; орадан кўтармоқ. *Ҳаётнинг бутун қувончи ижодда. Ижод қилиш ўлимни маҳв этишдир.* Газетадан.

МАҲВАШ [*ф.* مهوش – ой юзли; юзи ойга ўхшаш, гўзал] *поэт.* Жамоли ойга ўхшаш, ойдек гўзал, ой жамол; маҳпора. *Оразингни, эй маҳваш, боғ аро намоён қил. Лола кўксини доғ эт, ғунча бағрини қон қил.* Муқимий.

МАҲДУД [*а.* محدود – чегараланган, атрофи ўралган] *эск. кт.* Чегара билан ўралган, чегараланган, чекланган. *Мулла Обид маҳдуд табиатли, фақат ишлаб ейишни ёки туфлаб тугишни яхши кўрган қорин бандаларидан эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мирза Олим шеърлари тематик жиҳатдан маҳдуд бўлиб, уларнинг, асосан шоир ҳаётида юз берган воқеалар тўғрисида ёзилган эканини юқорида айтиб ўтган эдик.* «ЎТА».

МАҲДУДЛИК Чекланганлик, чекланиб қолиш. *Илғор адабиёт ҳар қандай миллий маҳдудликни, ўз доирасида ўралашиб қолишликни рад этади.* Газетадан. *Бир бирёқламалик ва ижодий маҳдудлик мени жуда ташвишлантира бошлади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

МАҲЗУН [*а.* محزون – ғамли, хафа] *эск. кт.* Ҳазин, мунгли, ғамгин. *Унинг [Солиҳ аканинг] соч-соқолларида бироnта қора қолмаган, дард эзган, маҳзун юзи сарғайган.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Рубобим тори иккидур: бири қувноқ, бири маҳзун.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

МАҲКАМ [*а.* محكم – мустаҳкам, мукаммал; аниқ, ишончли] **1** Бузилиш, ўзгариш кабиларга чидамлилик даражаси юқори: пухта, мустаҳкам. *Маҳкам иморат. Эшикни маҳкам беркитмоқ.* ▬ *Ғазал тўлалигича ўз қалбига кўчиб, хотирасида маҳкам ўрнашиб қолганидан, ўзида йўқ севиниб, оғзининг таноби қочди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Турғун, ўзгармас, саботли. *Маҳкам ирода.* ▬ *Ғуломжон фикрида, қарорида маҳкам эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Зўр куч билан, қаттиқ. *Қўлни маҳкам қисмоқ. Маҳкам ушламоқ.* ▬ *Югуриб бориб, маҳкам қучоқлаб олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Маҳкам (эркаклар исми).

МАҲКАМА [*а.* محكمه – олий суд, трибунал; судлов] **1** *тар.* Ҳукм қилувчи, ҳукм чиқарувчи идора; суд. *Ҳоким маҳкамаси. Полиция маҳкамаси.* ▬ *Ҳамма мол ва мулки*

билан қутидор Отабекка кафил бўлди ва қушбегининг ҳақига дуо қилиб, учовлари маҳкамадан биргалашиб чиқдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман, бошқарма, идора. *Маҳалла фуқаролари у муттаҳамдан шикоятланиб, қозихона ва бошқа маҳкамаларга аризалар топширишларига қарамай, ҳар сайловдан Олимхон сип-силлиқ чиқади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАҲКАМАЧИЛИК Ўз маҳкамасининг, идора ёки ташкилотининг манфаатинигина кўзлаб иш тутиш. *Тўрачилик, маҳкамачилик каби иллатларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши беомон курашиш керак.* Газетадан.

МАҲКАМЛАМОҚ Маҳкам қилмоқ, мустаҳкамламоқ. *Гулнор очилган токларни ишкомга кўтариб, тол пўстлоғи билан маҳкамлаб боғлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАҲКУМ [*а.* محکوم — ҳукм қилинган, қораланган; ўлиши аниқ бўлган] **1** Ҳукм қилинган. *Қиз кечгача болохонадаги қоронғи қазноқда тешикдан мўралаб, дор ёғочи остида жаллоднинг сиртмоқ солишини кутган маҳкумдай, тақдирга тан бериб, отасини кутди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..шармандали ўлимдан халос айланг. Мен сиздан дор талаб қиламан. Маҳкумнинг сўнгги илтимосини мустажоб этмоқ сиз учун фарздур.* С. Сиёев, Аваз.

2 (*ж. к. с. билан*) Тақдири шу келишикдаги сўз англатган нарса билан боғлиқлигини, шу нарса юз беришини, қисмати шу билан якунланишини билдиради. *Эски дунё — одамларни эксплуатация қилиш ва халқларни эзиш дунёси ҳалокатга маҳкум.* Газетадан. *Камбағаллар ҳам мусулмончиликка иснод келтирмаслик учун, қарз бадалига бўлса ҳам, катта тўй ўтказиб, умрбод қашшоқликка маҳкум бўларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Бировнинг амрида, ҳукмида бўлган, қарам, тобе. *Менингча, бу — мустамлаканинг — метрополияга, маҳкум миллатнинг — ҳоким миллатга, мазлумнинг золимга қарши қўзғалиши.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАҲЛИЁ Ҳайрат ёки завқдан эс-ҳуши оғиб, анграйиб қолган. *Ҳатто тумсайиб ўтирган Асрора ҳам беихтиёр чапак чалар, ўртоғининг ҳусну латофатига маҳлиё эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Маҳлиё бўлмоқ 1) маҳлиё ҳолатда бўлмоқ. *Умид гапидан адашиб, қизга маҳлиё бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид; 2) бутунлай берилмоқ. *Бу манзарага маҳлиё бўлган Қўзибой, камарига қистириқлик китобни олиб, олдига қўйди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Райҳондек бойликка маҳлиё бўлма, Асло пок севгингни бекор хор қилма!* «Муштум».

МАҲЛИҚО [*ф.* مه — ой + *а.* لقاء — кўришиш, учрашиш; юз] *поэт.* Ой юзли, маҳваш, маҳпора, гўзал. *Келгай эдинг, эй маҳлиқо, ҳар дамда аҳволим сўраб, Бир неча кундир келмадинг, ҳайрона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

МАҲМАДОНА [*а.* + *ф.* محمدانه — Муҳаммадга ўхшаб, Муҳаммад каби ёки *ф.* من حمه دانا — мен ҳамма нарсани биламан] **1** Ўзини билағон ҳисоблаб, билар-билмас, ҳар қандай гапга аралашаверадиган. *Султоновгина тили бийрон маҳмадоналарнинг адабини бериб, жойига ўтқизади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ишларимизнинг қадрини мана шунақа ҳовлиқмалар, маҳмадоналар, расмиятчилар туширяпти.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ёшига нисбатан кўп гап биладиган; гапдон, қақилдоқ. *Уста Маҳкамнинг кичик қизи Инобат маҳмадонагина чиққан.* С. Аҳмад, Суд. *Кўп маҳмадона бола экан, ҳеч чакаги тинмайди.* «Ёшлик».

МАҲМАДОНАГАРЧИЛИК *айн.* **маҳмадоналик.** *Зўрға ўзига келиб тилга кирган Малик маҳмадонагарчилик қилиб, бизга сўз бермади.* «Ёшлик».

МАҲМАДОНАЛИК Маҳмадоналар каби гап-сўз қилиш, гапириш. *Ёрмат.. қизининг бундай маҳмадоналигига ғазабланиб, қошқовоғини солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди катта бўлиб, унча маҳмадоналик қилмайди-ю, ота-онасига ўхшаб, бу ҳам бувиси нима деса, кулиб тураверади.* «Гулдаста».

МАҲОБАТ [*а.* مهابت — қўрқув; ҳурмат; улуғворлик; ҳайбат, салобат] *кт..* **1** Ҳайбат, салобат, улуғворлик. *Зўр металл заводи барпо этилди. Маҳобат гурлади унинг сасида.* Х. Расул.

2 Ваҳима, ваҳм.

Маҳобат қилмоқ Ваҳима билан гапирмоқ, ваҳима қилмоқ. *Баъзи муллалар жинни тўранинг телба-тескари сўзларини илиб олиб, маҳобат қилишганди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

МАҲОБАТЛИ *кт.* **1** Маҳобати, салобати бор; ҳайбатли, улуғвор. *Маҳобатли тоғ.* ▬ *Аҳён-аҳёнда маҳобатли.. тепалар ўркачини бир-бирига ўгириб ётибди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

2 Ваҳимали. *-Шундайми, — дебди амалдор маҳобатли товуш билан.* «Муштум».

МАҲОЛ [*а.* محال — мумкин бўлмаган, амалга ошмайдиган; номумкин, бемаъни иш, гап] Амалга оширилиши мумкин бўлмаган; қийин, мушкул. *Майсаранинг айтгани тўғри. Қиз иккови бир-бирини ўлгудай яхши кўргандан кейин айириш маҳол!* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Киши ота-онасидан айрилиб чидайди, бироқ она юрагидан айрилиб яшаши маҳол.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Амри маҳол *қ.* **амримаҳол.**

МАҲОРАТ [*а.* مهارت — моҳирлик, усталик, эпчиллик] Бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат; моҳирлик. *Ижодий маҳорат. Ёзувчилик маҳорати. Маҳорат орттирмоқ. Маҳорат кўрсатмоқ. Маҳоратга эришмоқ.* ▬ *Унинг асосий касби дурадгорлик бўлиб, бу ҳунарда маҳорати катта эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Устоз билан шогирд маҳоратда тенглашиб, гоҳи шогирд қўли устунлик қила бошлади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МАҲОРАТЛИ Катта маҳоратга эга; моҳир, уста. *Театрда бундай маҳоратли, билимдон санъаткорлар кўп.* Газетадан.

МАҲПОРА [*ф.* مهپاره — ойпарча; гўзал] *поэт.* Ой юзли, ойдек гўзал; маҳваш.

МАҲР [*а.* مهر — сеп; қалин пули] *тар.* **1** Никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк. *Маҳр бермоқ.* ▬ *Уйимга нимага кирасан, уйим энанг маҳрига тушганми?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Шахсий мулкдан меросхўрларга тегадиган улуш. *Шу гап жанжалга қолмай, иссиғида ҳовлига нарх қўйиб, меросхўрларнинг маҳрини белгилаб қўйсак.* С. Аҳмад, Хомталаш.

МАҲРАМ [*а.* محرم — ман, ҳаром қилинган; ҳарамга кириш ҳуқуқи бор] **1** *тар.* Бухоро ва Хива хонлигида: сарой амалдорларининг ёзишма ишларини бошқарган лавозимли киши ва унинг мансаби. *Карвонбоши амир ҳақига узун дуо қилгандан кейин ёнини очиб, маҳрамга йигирма танга хизматона.. берди.* С. Айний, Қуллар.

2 *эск.* Ишончли хизматкор, чўри. *Маҳрамлар пиёлаларда май келтирадилар.* «Ёшлик».

3 *эск.* Сирдош дўст, ҳамдам. *Ҳасанали.. Отабекка маҳрам бўлишга лойиқ бир меҳрибонликка эга бўлганликдан бек билан очиқ сўзлашиш фикрига келди.* А. Қодирий. Ўтган кунлар. *Энг яқин ўртоғи.. Зебихон бўлиб қолди. Иккаласи сирдош, маҳрам.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

4 *дин.* Шариатга кўра, аёл киши юзи очиқ ҳолда кўришиши мумкин бўлган, аммо никоҳ нораво бўлган яқин эркак қариндош (аёлнинг отаси, ўғиллари, ака-ука, амаки, бува, тоға, қайнотаси); *зид.* **номаҳрам.**

5 *сфт.* Ман қилинган, тақиқланган; бошқалардан сир тутиладиган, махфий; ножоиз. *Келинг энди, бирпас тотув бўлиб, маҳрам гаплардан гапиришиб, кўнгилдаги кудуратларни ёзайлик.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

6 *этн. айн.* **бачча.** *Аввал уни [Мамараимни] муллаваччалар судради, кейин имонсиз мударрис ўзига маҳрам қилиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАҲРУМ [*а.* محروم — бенасиб, бебаҳра қолган; ажратиб қўйилган, четлаштирилган] Муяссар, баҳраманд ёки эга бўлиш, фойдаланиш учун имкони, ҳуқуқи бўлмаган; бебаҳра, бенасиб. *Севгисиз юрган дугоналари кўзига ғалати, ҳаётнинг энг зарур ва олижаноб нарсасидан маҳрум кишилардек бўлиб кўринарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Аслида эса улар энг муҳим нарсадан — ота-она меҳридан маҳрум.* «Шарқ юлдузи».

Маҳрум бўлмоқ Маҳрум ҳолатга тушмоқ, айрилмоқ. *Имтиёзлардан маҳрум бўлмоқ. Мол-мулкидан маҳрум бўлмоқ.* ▬ *Фотима уч-тўрт ёшларидаёқ ота-онасидан маҳрум бўлиб, амакисининг қўлида қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Маҳрум қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Маҳрум ҳолатга туширмоқ, бенасиб қилмоқ. *У ўзини катта имтиёзлардан маҳрум қилган янги тузумга қарши курашмай туролмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Она меҳрига ҳам қонмади. Бевақт ажал уни бу бахтдан маҳрум этди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МАҲРУМИЯТ *эск. кт.* Маҳрумлик. *Шу оғир меҳнат, шу оғир маҳрумиятлар эвазига онани бошига кўтариш.. ўрнига Муҳиддин онасини урди.* М. Исмоилий, Фарзанд бурчи.

МАҲРУМЛИК Маҳрум ҳолат, бенасиблик. *Ғалаба деб гулгун очилган қизларимиз барча маҳрумликларга бардош беришди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАҲСИ Қўй ёки эчки терисидан тайёрланадиган, узун қўнжли, пошнасиз, тагчар-

ми юмшоқ, кавуш ёки калиш билан кийиладиган миллий оёқ кийими. *Амиркон маҳси. Заифона маҳси. Маҳсисини ечмоқ.* ▬ *Дарров кавуш, маҳсисини, чопонини кийиб, онасини уйғотди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МАҲСИДЎЗ Маҳси тикувчи косиб. *Шокир ота деган маҳсидўзнинг дўконхонасида этигини бутунлаб олибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАҲСИЧАН Фақат маҳси билан, маҳси устидан кавуш ёки калиш киймасдан. *Дўкондор йигит.. Мавлавий Йўлдошни кўргач, шошиб қолиб, маҳсичан ерга тушди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

МАҲСУЛ [*а.* محصول – йиғиб-терилган ҳосил, мева; самара; натижа, унум] **1** Иш, фаолият, меҳнат самараси, меваси. *Ижодий меҳнатнинг маҳсули.* ▬ *У кўтаринки кайфиятда эди, кечаги, бугунги иш маҳсулидан хурсанд.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

2 *айн.* **маҳсулот.** *Оғир саноат маҳсули.* ▬ *Пахта бизнинг ғалабамизни белгилаб берувчи асосий маҳсулимиздир.* Газетадан.

3 Ҳосил, унум. *Ер ҳам тирик жон. Инсондек нафас олади, озиқланади, ниҳоят, маҳсул беради.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Деҳқон осмонга қараб, яхши ҳаводан қувонса, ерга қараб, мўл маҳсулидан суюнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Бирор нарсадан юзага келган нарса; натижа. *Йигиталининг рангига бир оз заҳиллик урибди. Бу муттасил давом этиб келаётган уйқусизлик, ададсиз изтиробларнинг маҳсули, албатта.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Хулоса шу: эҳтирос йўқ, бу эзмалик, бепарволик маҳсули.* «Муштум».

МАҲСУЛДОР Кўп, яхши маҳсул берадиган; сермаҳсул, серунум. *Маҳсулдор ер. Маҳсулдор қора моллар.* ▬ *Ўзбекистонда яқин вақтларгача асосан пахта етиштирилarди. Унинг ёнига энг маҳсулдор экин.. – буғдой қўшилди.* Газетадан.

МАҲСУЛДОРЛИК Маҳсул (ҳосил) бериш даражаси, имконияти. *Бу сессияларда.. чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинган.* «Муштум». *..хўжалик маҳсулдорлигини оширишнинг омиллари хилма-хилдир.* «ЎТА».

МАҲСУЛЛИ *кам қўлл. айн.* **маҳсулдор**.

МАҲСУЛОТ [*а.* محصولات – «маҳсул» с. кўпл.] Ишлаб чиқарилган нарса; маҳсул (лар). *Ялпи маҳсулот. Чорвачилик маҳсулотлари. Саноат маҳсулоти.* ▬ *Бўёқ олиш учун нефть чиқиндилари ва тошкўмирни кокслашдан олинган маҳсулотлар асосий хомашё ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

Интеллектуал маҳсулот Маънавият, илмфан, техника соҳасидаги изланишларнинг натижалари, адабиёт ва санъат асарлари мажмуи.

МАҲТАЛ Кутиб, қараб қолган; мунтазир (*яна қ.* **маътал**). *Борарканман шошиб-жадал. Йўлларимга боқдинг маҳтал.* Х. Салоҳ. *Нуроний отахон қабулхонада Бир оғиз сўзингни кутмоқда маҳтал.* Г. Жўраева.

МАҲФИЛ [*а.* محفل – тўпланиш жойи; йиғилиш, йиғин] *эск. кт.* Мажлис давраси, ўтириш, мажлис. *Шамъ рухсоринг ёнар маҳфилда гул-гул кечалар, Бормиди қасдинг магар куйдиргали парвонада.* Муқимий.

МАҲШАР [*а.* محشر – тўпланадиган жой, майдон; тўпланиш; оломон] Диний эътиқодга кўра, дунё тамом бўлгандан кейин – охиратда бутун ўлган кишилар тирилиб, ўрнидан туриб (қиёмат) тўпланадиган ва сўроқ қилинадиган кун. *Олло, деб йиғладим қоронғу тунда, Шарманда бўлмайин маҳшар кунида.* «Юсуф ва Аҳмад».

МАҲШАРГОҲ *дин.* Маҳшар содир бўладиган ер. *Холжон хола ўлиб, кўзини очса, маҳшаргоҳда юрган эмиш.* Ғайратий, Довдираш.

МЕБЕЛСОЗ Мебель тайёрловчи, ишлаб чиқарувчи.

МЕБЕЛСОЗЛИК Мебель ишлаб чиқариш. *[Тошкент «Шарқ» мебель фирмаси] Бу йил 60 та янги, ҳозирги замон мебелсозлик техникаси ускуналарини ишга туширади.* Газетадан.

МЕБЕЛЬ [*фр.* meuble – уйнинг кўчар жиҳозлари < *лот.* mobilis – ҳаракатчан, кўчадиган] Диван, стол, стул, шифоньер ва ш.к. ёғочдан ясалган уй жиҳозлари. *Жазиллаб турган ҳовлиси чоғроққина бўлса ҳам, уйда хоналари кўп.. шаҳардагидек мебеллар билан жиҳозланган.* А. Мухтор, Кумуш тола.

МЕВА [*ф.* میوه – ҳосил, ҳўл ва қуруқ мева] **1** Баъзи дарахт ва буталарнинг ҳосили. *Ейишли мева. Еб бўлмайдиган мева. Ҳўл мева. Қуруқ мева. Мева шарбати.* ▬ *Маржон каби қизарган меваларини кўтара олмай, турли томонга бош эккан жийда дарахтлари узоқдан кумуш каби оқариб кўринадилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ўлкамизда куз, мевалар ғарқ пишган палла.* Газетадан.

2 Мевали дарахт. *Саид, Мирзақуллар ёш мева кўчатларини қўпорар, Ҳайдар уларни тўплаб, боғ-боғ қиларди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Унча катта бўлмаган, чоғроқ ҳовлининг ўзида ўн хилча мева навлари бор.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Кечанинг қоронғулиги устига меваларнинг қуюқ япроқлари қўшилиб, бу майдон, айниқса, Отабекнинг ҳозирги кўнглига яқинлашиб келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Самара, натижа, маҳсул. *Илоҳи бўлгайсан, болам, баркамол. Умримнинг меваси — бир тоза ниҳол.* «Равшан». *Эл таомилида: кексалар ҳамиша маслаҳат беришар, ёшлар эса ўша маслаҳат меваларини теришар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

4 Шакарпазлик маҳсулотлари, ширинлик. *[Ҳакимбойвачча] Ранг-баранг қимматбаҳо мевалар, қаймоққа қорилган нонлар билан тўла дастурхон ёзиб, аччиқ чойни қуя бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МЕВАЗОР Мевали дарахтлар билан банд жой; мевали боғ. *Ўрда дарвозасининг саҳни ботмонлаб ҳисобланган мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик, нок ва тут ёғочлари хийлагина бор эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўзбекистон деганда, поёнсиз пахтазорлар билан бирга серҳосил мевазорлар, полизу яйловлар кўз ўнгимизга келади.* «Саодат».

МЕВАЛИ Мева берадиган; мева қиладиган. *Мевали дарахтга тош тегади.* Мақол.

МЕВАСИЗ Меваси йўқ, мева бермайдиган, қилмайдиган. *Мевасиз дарахт.*

МЕВАФУРУШ [мева + *ф.* فروش — сотувчи] Мева сотувчи киши.

МЕВА-ЧЕВА Ҳар хил мевалар, турли-туман ширинликлар. *Мева-чева ўзимиздан чиқмаса бўлмас экан. 10 гектар ерга боғ қилиб қўяйлик.* «Муштум». *Матпано баққолчиликка ўтиб, бир белбоғ мева-чева олди.* С. Сиёев, Аваз.

МЕВАЧИЛИК Қишлоқ хўжалигининг мева етиштириш билан шуғулланадиган тармоғи. *Мевачиликни ривожлантириш.* ▬ *Чунончи, деҳқончиликда дон экиш, сабзавотчилик, мевачилик пайдо бўлди.* Газетадан.

МЕГАЖИН [*мўғ.* мэгж — урғочи қобон] **1** Урғочи чўчқа.

2 Шу ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради (хотин-қизларга нисбатан ишлатиладиган қаттиқ ҳақорат сўзи). [*Шарофат:*] *Мен у ёқда итвачча боқиб ўтирибман-у, бу киши* [*Сидиқжон*] *бу ерда мегажинларнинг этагини ўпиб юрадилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гапир, мегажин! Нега келдинг бу ерга?* К. Яшин, Ҳамза.

МЕГАПОЛИС [*юн.* megas — катта + polis — шаҳар] Ёнма-ён жойлашган бир қанча шаҳар ва аҳоли яшайдиган масканларнинг ўсиб ривожланиши ва қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган улкан шаҳар.

МЕГАФОН [*юн.* megas — катта, баланд + phone — товуш] Товушни маълум йўналишда кучайтириб берадиган, одатда конуссимон шаклда ясалган, дастали радиокарнай.

МЕДАЛЛИ Медали бор, медаль билан мукофотланган. *Биз Мехико ўйинларида фидокорлик билан қатнашган медалли спортчиларни олқишлаймиз.* Газетадан.

МЕДАЛЬ [*фр.* medaille < *лот.* metallia — металл танга] Алоҳида хизматлари ёки муваффақиятлари учун бериладиган, турли (тўгарак, ромб ва б.) шаклда ясаладиган, тегишли бўртма тасвир ва ёзуви бўлган нишон. *Мактабни олтин медаль билан битирди.* ▬ *Халқ хўжалиги виставкасидан яна олтин медаль олдинг.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Болалар уруш йилларида қўмондонлар номидан ёзилган ташаккурномаларни, ҳар хил медаль ва орденларни топиб келишди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МЕДАЛЬОН [*фр.* medaillon < *лот.* metallia — металл танга] Ичига расм ёки бошқа нарса солинадиган, одатда доира ёки эллипс шаклидаги, бўйинга тақиладиган безак буюми. *Нормат бинтни противогаз халтасининг устки чўнтагига солиб қўйди ва медальонни кўриб: «Номайи аъмолимнинг ҳаммаси шунда» деди-да, уни шимининг соат чўнтагига бекитди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МЕДИАНА [*лот.* mediana — ўрта; ўртача; ўртадаги] *мат.* Учбурчакнинг баландлигини қарама-қарши томоннинг ўртаси билан боғлайдиган кесма.

МЕДИАТОР [*лот.* mediator — воситачи, ўртада турувчи] *мус.* Торли мусиқа асбобларини чалиш учун металл, суяк, пластмасса ва ш. к. дан қилинган бир учи ўткир юпқа пластинка; нохун.

МЕДИАТОРЛАР *тиб.* Нерв қўзғалишининг кимёвий воситачилари — организмдаги қўзғалиш жараёнини нерв учларидан ички аъзоларга (мускуллар, безлар ва ш. к.

га) ва бир нерв ҳужайрасидан иккинчи ҳужайрага ўтказишда иштирок этадиган физиологик фаол моддалар.

МЕДИК [*лот.* medicus – шифокор, врач] *с.т.* Тиббиёт ходими. *Менга қолса, медик бўлишни ҳавас қиладиганлар аввал бир-икки йил касалхонада ишлаши керак.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

МЕДИКАМЕНТ [*лот.* medicamentum – шифо воситаси, дори-дармон] Даволаш учун қўлланадиган дори-дармонлар.

МЕДИЦИНА [*лот.* medicina – врачлик фани; дори-дармон] *қ.* **тиббиёт.**

МЕДУЗА [*юн.* Medusa – юнон мифологиясида аёл кўринишли, илон сочли учар махлуқ] Сезувчи, қисувчи ва овқат қамраб олувчи чангали бор, дирилдоқ танли денгиз жониври.

МЕЗАНА [*а.* مأذنه – (азон айтиладиган) минора] Масжид минорасининг муаззин азон айтадиган юқори қисми. *Яқин орадаги масжид мезанасидан муаззиннинг азон айтаётган овози эшитилди.* «Фан ва турмуш».

МЕЗБОН [*ф.* ميزبان – меҳмонларни кутиб олувчи; айнан: стол (дастурхон)ни қўриқловчи] Меҳмон кутувчи, зиёфат, тўй эгаси. [*Абдурасул:*] *Кутилмаган меҳмон мезбоннинг иззати дейдилар, хўжа!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кенг ва ёруғ хонада ўтирган меҳмонлару мезбонларнинг кўзларида ҳаяжон ва табассум.* Газетадан.

МЕЗОЗОЙ [*юн.* mesos – ўртадаги, оралиқдаги + zoe – ҳаёт] Ернинг геологик тарихида палеозой билан кайнозой эралари оралиғидаги давр. *Устки қатламдаги чўкинди жинсли қаватнинг қалинлиги, ер сатҳидан ҳисоблаганда, 2,6 километр атрофида бўлиб, унда мезозой-кайнозой эраларининг тоғ жинслари мавжуд.* «Фан ва турмуш».

МЕЗОН [*а.* ميزان – ўлчов, тарози; мувозанат; одиллик] **1** *эск.* Тарози, ўлчов. *Мезон тошлари.*

2 *кўчма* Таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза. *Меҳнат – киши қадр-қимматининг мезонидир.* ▬ *Дарвешали.. ҳар ишга бел боғлар экансиз, элнинг манфаат ва зaруриятини ўзингиз учун бир мезон деб билинг.* Ойбек, Навоий.

3 (М – *катта) астр.* Ўн икки буржнинг бири, Савр ва Саратон буржлари ўртасида жойлашган (*қ.* **бурж**).

4 Шамсия йил ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи (22 сентябрь – 21 октябрь даврига тўғри келади). *Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.* Мақол.

5 Баъзи ўсимликларнинг кузда ҳавода сузиб юрадиган, ўргимчак уясига ўхшаш спора ташувчилари. *Куз келди. Сувлар ариқда ойнадек тиниқ шилдиради, кўкда мезонлар сузди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

6 Узоқ чўзилган ёз, иссиқ куз.

МЕЛИОРАТИВ Мелиорацияга оид. *Мелиоратив ишлар. Мелиоратив тадбирлар.* ▬ *Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида кейинги вақтларда электр энергияси билан ҳаракатга келтириладиган қудуқсимон зовурлар кенг қўллана бошлади.* А. Ҳакимов, Чароғон қишлоқлар.

МЕЛИОРАТОР Мелиорация ишлари билан шуғулланувчи шахс, мутахассис. *Ерларни ўзлаштириш борасида ўзбек мелиораторлари бой тажриба тўплашган.* Газетадан.

МЕЛИОРАЦИЯ [*лот.* melioratio – яхшилаш] Ернинг табиий шароитларини тубдан яхшилаб, деҳқончиликка мослаш ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизими. *Тошкентда мелиорация масалалари юзасидан илмий-техника конференцияси очилди.* Газетадан.

МЕЛИСА *с.т.* **1** Милиция. *Мен ўтириб олиб, шифохонага телефон қиламан, шофёр мелисама-мелиса югурди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Милиция ходими, милиционер. *Бўлмаса, мелиса чақириб, обис (қидирув) қилдираман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

МЕЛОДИК Оҳангдор, хушоҳанг, ёқимли. *Мелодик овоз. Мелодик мусиқа.*

МЕЛОДИЯ [*юн.* melodia – қўшиқ, ашула] Куй, оҳанг.

МЕЛОДРАМА [*юн.* melos – қўшиқ + drama – ҳаракат, фаолият] Воқеаларни ниҳоятда бўрттириб, таъсирчан қилиб тасвирлайдиган, насиҳатомуз драма жанри ва шу жанрдаги асар.

МЕЛОДРАМАТИК Мелодрамага оид. *Мелодраматик асар.*

МЕЛЬХИОР [*фр.* maillechort < шу қотишма ихтирочилари Maillot (Майо) ва Chorier (Шорье) номидан] Миснинг никель, темир ва марганец билан қотишмаси (идишлар, танга ва ш. к. тайёрлашда ишлатилади).

МЕМБРАНА [*лот.* membrana – юпқа пўст ёки парда] *физ., тех.* Тебранма ҳаракат қила оладиган парда ёки юпқа пластинка. *Телефон мембранаси.*

МЕМОРАНДУМ [*лот.* memorandum – эслашга арзийдиган, эслаш керак бўлган нарса] **1** *ҳуқ.* Бирор давлатнинг дипломатик ёзишмалар орқали ҳал қилинадиган масалалар моҳиятини ўз нуқтаи назаридан батафсил баён қилиб ёзган дипломатик ҳужжати.

2 Бирор масала бўйича билдиришнома, хизмат маълумотномаси. *Меморандумда таъкидланадики, бу ҳол аварияларга ҳамда кемаларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин.* Газетадан.

МЕМОРИАЛ [*лот.* memorialis – хотирага оид, хотирадаги] Бирор шахс ёки воқеа хотирасини нишонлаш ёки абадийлаштириш учун хизмат қилувчи. *Тошкент мемориал ёдгорликлари яна бир монументал санъат асари билан бойиди.* Газетадан.

МЕМУАР [*фр.* memoires – эсдаликлар < *лот.* memoria – хотира, эслаш] Ўтмиш ҳақида, эсдаликлар шаклида ёзилган адабий асар. *Бобур мемуарлари.* ▬ *..сўнгги янгиликларни ўзимнинг кундалик дафтаримга ёзиб чиқдим.. мемуар ёзиш вақти келганда яраб қолади.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

МЕН *кш. олм. 1-ш. бирл. (қ. к.* – **менинг**, *т. к.* – **мени**) Сўзловчининг ўзини билдиради. *Мен ва сен. Мен билан ким боради? Менга сендан эсдалик. Мендан сенга насиҳат.*

Менга қара Менинг гапимга қулоқ сол. **Менга қолса** Менимча, менинг фикримча. *Менга қолса, ишлаб туриб ўқиганинг яхши.*

МЕНГ *эск.* Хол. *Қаро менг ол янгоқингга ярошур.* Хоразмий, Муҳаббатнома.

МЕНГЗАМОҚ *шв.* Ўхшамоқ, ўхшатмоқ. *Ўзини ойнага солиб кулди: -Шу туришда кимга менгзайман, топинг-чи?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Жамолинг менгзадим осмонда ойга, Қошингни ўхшатдим эгилган ёйга.* «Равшан».

МЕНДЕЛИЗМ [< чех табиатшуноси Mendel (Г. Мендель) номидан] Ирсият қонуниятлари тўғрисидаги таълимот: генетиканинг фан сифатида вужудга келишига асос бўлган.

МЕНЕЖЕРЛАР [*ингл.* manager – бошқарувчи] Корхона ва компания эгалари бўлмаган, махсус тайёргарлик кўрган малакали ёлланма бошқарувчилар.

МЕНЕЖМЕНТ [*ингл.* management – бошқариш, мудирлик; ташкил этиш] Замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш (режалаш, тартибга солиш, назорат қилиш), шунингдек, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, уни ташкил этиш; бошқариш тўғрисидаги фан.

МЕНЗУРКА [*лот.* mensura – ўлчаш; ўлчам] Суюқликларнинг ҳажмини аниқлаш учун ишлатиладиган, чизиқ билан бўлимларга бўлинган, дорихона ва кимё лабораторияларида ишлатиладиган шаффоф идиш. *Ветеринария пунктида ўқувчилар химиявий асбоблар ва идишлар (колба, мензурка, пипетка.. ва бошқа материаллар) ишлатилишини ҳам кўрдилар.* Ж. Фаёзов, Экскурсиянинг ўтказилиши.

МЕНИМЧА *крш с.* Менинг фикримча, ўйлашимча. *Самандаров луқма ташлади: -Менимча, булардан ҳеч бири бундай фикрда эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Менимча.. бутун кулфатлар турмушнинг ёмон қурилганидан келади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МЕНИНГИТ [*юн.* meninx, meningos – мия қобиғи] *тиб.* Бош ва орқа мия қобиғининг инфекцион яллиғланиши. *Тепки касаллигида айрим ҳолларда нерв системасида ҳам ҳар хил ўзгариш бўлиб, енгил ўтадиган менингит ҳам бўлиши мумкин.* «Саодат». *Менингит ҳақида сўз борганида, мия пардаларининг яллиғланишини тушунамиз.* А. Олимова, Менингит. *Унинг қизи ўн беш ёшида менингит билан оғриб, вафот этган.* А. Ёқубов, Бўсағада.

МЕНМАН: менман деган *айн.* **манман деган** *қ.* **манман.**

МЕНСИМАСЛИК Эътиборсизлик ва паст назар билан қараш, назар-писанд қилмаслик. *У [Луқмонча] яқинлашишга юрак қилолмай, узоқроқ ўтириб қолди.. Садбар буни менсимаслик деб билди, шекилли, бирдан туриб, эшикка отилди.* А. Мухтор, Туғилиш.

МЕНСИМОҚ *(фақат бўлишсиз шаклда)* Эътиборсизлик ва паст назар билан қарамоқ. *Нега ҳеч кимни менсимайсиз?* ▬ *Ҳокимлар олдида тилининг узун бўлганига тўла ишонган элликбоши фуқарони сира менсимайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МЕНСТРУАЦИЯ [*лот.* menstruus – ойлик, ҳар ойда бўладиган] *тиб., физиол.* Жинсий етук хотин-қизлар бачадонидан ҳар ойда

бир марта келадиган қон аралаш ажралмалар; ҳайз кўриш.

МЕНТАЛИТЕТ [*нем.* Mentalität < *лот.* mens, mentis – ақл, идрок] Жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати (Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади).

МЕНТОЛ [*лот.* mentha – ялпиз + ol(eum) – мой] Кучли ялпиз ҳидига эга бўлган шаффоф кристалл модда (тиббиёт, атторлик ва қандолатчиликда ишлатилади).

МЕНЬШЕВИЗМ [*р.* меньший, меньше – кичик; оз] *эск. тар.* Меньшевиклар партияси амал қилиб келган назария ва сиёсий-партиявий оқим.

МЕНЬШЕВИК *эск. тар.* Меньшевизм тарафдори, меньшевиклар партияси аъзоси.

Меньшевиклар партияси *эск. тар.* Россия социал-демократик ишчилар партиясининг 1903 йилдаги II съездида овоз беришда озчиликни ташкил этган аъзолар томонидан тузилган ва 1924 йилгача фаолият кўрсатган партия.

МЕНЮ [*фр.* menu] Ресторан, ошхона ва кафеларда овқатлар рўйхати ёзилган, тегишли столларга қўйиладиган ёки кўринарли жойга осиб қўйиладиган қоғоз; таомнома. *Касса олдидаги менюда овқатларнинг икки хил нархи кўрсатилган.* Газетадан.

МЕРГАН [*мўғ.* мэргэн – ўқ отиш бўйича ғолиб, ўқни аниқ отувчи] **1** Ўқни бехато урадиган, пойлаб туриб отадиган. *Кўп отган билан мерган бўлмас, кўп айтган билан чечан бўлмас.* Мақол. *Мерган овда билинар, сўзчи – довда.* Мақол. ▬ *Дивизионда Шариповни «Устаси фаранг мўлжалчи, мерган тўпчи», дейишарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Ўқчи аскар, жангчи. *Мерганлар ўн беш дақиқа, орқасини узмай милтиққа ўт бериб турдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МЕРГАНЛИК 1 Нишонга бехато уриш маҳоратига эгалик, бехато отиш маҳорати. *Мерганликда Қурбон устаси фаранг.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Мерган касби (*қ.* **мерган 2**).

МЕРИДИАН [*лот.* meridianus – тушки, туш пайтидаги; жанубий] *геогр.* Ер шари юзасини ҳар иккала қутб орқали ўтказилган текислик кесиб ўтган ярим айлана фаразий чизиқ.

Осмон меридиани *астр.* Осмон гумбазида коинот қутблари ва зенит орқали ўтган улкан фаразий чизиқ.

МЕРИНОС [*исп.* merinos] Қўйнинг нозик ва оқ юнгли зоти. *Гапнинг хулласи – Ўрта Осиё шароитида мериносniлар учун ҳалокатли бўлган заифликлар бартараф этилар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МЕРКАНТИЛИЗМ [*фр.* mercantilisme < *итал.* mercante – савдогар] 15–18-асрларда иқтисодий тафаккур тарихида, ижтимоий бойлик асоси, даромад ишлаб чиқаришни ривожлантиришда эмас, балки пулда, пул жамғариш ва четга кўпроқ мол чиқариб сотишда, пул жамғармаларига давлат ҳокимияти ёрдамида эришилади, деган иқтисодий таълимот ва сиёсат. *Бухоронинг миллий буржуазияси майда реформачилик даражасидан юқори кўтарила олмади, ҳатто меркантилизм сиёсати масаласини ҳам ўртага қўймади.* Газетадан.

МЕРКАНТИЛИСТ Меркантилизмга эргашувчи.

МЕРКУРИЙ [*лот.* Mercurius – рим мифологиясида чорвачилик ва савдо маъбуди; сайёҳлар, йўловчилар ҳомийси] (М – *катта*) Қуёш системасидаги тўққизта катта сайёрадан бири, Қуёшга энг яқини.

МЕРОВ Ҳушёр, зийрак бўлмаган; анграйган, анқов. *Меров одам.* ▬ *Унинг [Фёдорнинг] хаёлпараст, меров, девонасифат одам эканлиги афтидан ва қилиғидан билиниб турар эди.* М. Осим, Элчилар.

МЕРОВЛАНМОҚ *айн.* **меровсирамоқ.** *Исфандиёр, қулоқларига ишонмагандек, вазири акбарнинг чимирилган қошларига меровланиб тикилди.* С. Сиёев, Аваз.

МЕРОВСИРАМОҚ Меров ҳолатга тушмоқ; анқовсирамоқ. *Назар, райком секретарига меровсираб боқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

МЕРОС [*а.* ميراث – ворис(лар)га қоладиган ёки қолган мулк] **1** Марҳумдан ворисларга қолган мулк. *Отадан қолган мерос.* ▬ *Хотинимга тегадиган меросдан мани қуруқ қилишга уринишади улар. Лекин бўш келмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *ҳуқ.* Мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси вафот этиши билан уларнинг бошқа шахс ихтиёрига ўтиши.

3 Ўтганлардан қолган, ўтган нарса, одат ва ш.к. *Ҳужайрамнинг ҳар бўлагида Аждодлардан мерос қоним бор.* А. Мухтор. *Ҳамма қизлар эрга тегиш олдида бир-бир йиғлаб олади-ку, Биби Фотимадан қолган мерос-ку.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Аждодлардан авлодларга қолган илмий, адабий, маданий бойлик. *..боболаримиз қолдириб кетган мерос ва ёдгорликлар билан яқиндан таниш бўлмай туриб, келажагимизни била олмаймиз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МЕРОСХЎР [*а.+ ф.* میراثخور – мерос еювчи; ворис, мерос эгаси] **1** Мерос олишга ҳақи бўлган киши; ворис. *Чол-кампирнинг шу боладан бошқа меросхўри йўқ.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Оқ тунука томли, ичкари-ташқарили ҳовлига Дилбардан бошқа меросхўр йўқ.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма с. т.*. Давом эттирувчи, ворис. *Ўзбек адабий халқ оғзаки ижодининг.. анъаналарини ижобий ўзлаштириб, давом эттирувчи ҳақиқий меросхўри ва давомчиси ҳамдир.* Газетадан. *Акромхон ўз отасининг бирдан-бир маънавий меросхўри эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

МЕРТИК Чети синиб тушган, учган. *Нусратилла болишни отиб ташлаб, кўрпадан четроққа, мертик коса турган бурчакка эмаклади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

МЕТАЛЛ [*лот.* metallum < *юн.* metallon – кон, шахта] Ўзига хос жилога эга бўлган, иссиқлик ва электрни яхши ўтказадиган, болғаланувчан, содда кимёвий элемент ёки қотишма. *Рангли металлар. Қора металл.* ▬ *Кумуш иссиқлик ва электрни бошқа металларга қараганда яхши ўтказади, ёруғликни яхши қайтаради.* Газетадан.

МЕТАЛЛИЗАЦИЯ *тех.* Бирор буюмнинг юзини кукунлатиб сочилган металл билан қоплаш; металлаш.

МЕТАЛЛИСТ Металл саноати ходими, ишчиси.

МЕТАЛЛМАСЛАР Металл бўлмаган кимёвий элементлар, (мас., азот, фосфор, йод).

МЕТАЛЛОГРАФИЯ [металл + *юн.* grapho – ёзаман] Металл ва қотишмаларнинг ички тузилиши ва физик хусусиятларини ўрганувчи фан.

МЕТАЛЛОИДЛАР [металл + *юн.* eidos – кўриниш] *айн.* **металлмаслар.**

МЕТАЛЛУРГ Металлургия мутахассиси. *Бу йил бекободлик металлурглар олдида катта вазифалар турибди.* Газетадан.

МЕТАЛЛУРГИЯ [металл + *юн.* ergon – иш, фаолият] **1** Оғир саноатнинг рудадан металл олиб, унга дастлабки ишлов бериш билан шуғулланадиган тармоғи. *Қора металлургия. Рангли металлургия саноати.*

2 Саноат йўли билан металл ишлаб чиқариш ва унга дастлабки ишлов бериш усуллари ҳақидаги фан. *Металлургия курси. Металлургиядан имтиҳон бермоқ.*

МЕТАЛЛЧИ *айн.* **металлист.**

МЕТАЛЛШУНОС Металлшунослик мутахассиси.

МЕТАЛЛШУНОСЛИК Металларнинг тузилиши, хоссалари ва уларнинг ўзгариш қонунларини ўрганувчи фан.

МЕТАМОРФИЗМ [*юн.* metamorphoomai – ўзгараман, бошқа нарсага айланаман] *геол.* Кимёвий ва физик сабаблар таъсирида тоғ жинслари тузилиши ва таркибида юз берадиган ўзгаришлар. *Минераллар метаморфизми.*

МЕТАМОРФИК *геол.* Метаморфизм натижасида вужудга келган. *Метаморфик тоғ жинслари.*

МЕТАН [*фр.* methane < *юн.*] Углерод билан водород бирикмасидан иборат рангсиз ёнувчи газ. *Бухоро газимиз қарийб метаннинг ўзгинасидан иборат.* «Фан ва турмуш».

МЕТАРА *айн.* **меҳтара**.

МЕТАСТАЗ [*юн.* metastatikos – оралиқда жойлашувчи] *тиб.* Касал қўзғовчи омилнинг қон ёки лимфа безлари орқали дастлабки жойидан бошқа жойларга кўчиб жойлашиши, шу йўсинда пайдо бўлган янги касаллик ўрни. *Рак метастаз бера бошлади.*

МЕТАТЕЗА [*юн.* metathesis – ўрин алмаштириш] *тлш.* Сўздаги товушларнинг ўрин алмашинуви (мас., *кирпик-киприк, тупроқ-турпоқ* каби).

МЕТАФИ́ЗИК Метафизика тарафдори, метафизика принципларига амал қилувчи, метафизика методларини қўлловчи шахс.

МЕТАФИЗИ́К Метафизикага, метафизика принципларига асосланган. *Метафизик материализм.*

МЕТАФИЗИКА [*юн.* «Meta ta physika» – «Физикадан кейин» (Аристотелнинг фалсафий асарлари номидан)] Диалектикага қарама-қарши ўлароқ, табиат ва жамият ҳодисаларини ривожланишда ва бир-бирига боғ-

лиқ ҳолда олиб қарамасдан, бир-биридан узилган ҳолда, турғун ва ўзгармас ҳолда олиб текширадиган, ҳодисаларнинг ички қарама-қаршиликларини инкор этувчи билим методи.

МЕТАФОРА [*юн.* metaphora – кўчириш, кўчим] *ад.* Сўз ёки иборани ўхшашлик ёки ўхшатишга асосланган кўчма маънода ишлатиш ва шундай маънода ишлатилган сўз ёки ибора; истиора, мажоз (мас., *қулоқ* сўзининг *дуторнинг қулоғи* бирикмасидаги маъноси метафора асосида юзага келган).

МЕТАФОРИК Метафора асосида ишлатилган, метафорага асосланган; мажозий. *Метафорик ибора. Метафорик маъно.*

МЕТЕОР [*юн.* meteoros – ҳавода учувчи, сузиб юрувчи] Космик фазодан ер атмосферасига чўғ бўлиб, тез учиб келадиган жисм; учар юлдуз. *Метеор жисмнинг устки қатлами ҳам жуда қизийди ҳамда бир оздан сўнг кўздан ғойиб бўлади, бу метеор ҳодисаси дейилади.* «Фан ва турмуш».

МЕТЕОРИЗМ [*юн.* meteorismos – шишиш, қаппайиш] *тиб.* Ич дам бўлиши – ичакда кўп ел тўпланиши натижасида қориннинг таранглашиши.

МЕТЕОРИТ [*фр.* meteorite – < *юн.* meteoros] Космик фазодан ерга тушган жисм, космик жисм. *Америкалик олимлар ўтган йили Антарктидадан метеорит топиб олишди.* «Фан ва турмуш».

МЕТЕОРОЛОГ Метеорология олими, мутахассиси. *Мен метеоролог эмасман, дўстлар, Менга аён эмас ҳавонинг сири.* Уйғун.

МЕТЕОРОЛОГИК Метеорологияга оид. *Метеорологик кузатишлар.* ▬ *Метеорологик сабабларга кўра бугун самолёт [Наманганга] учмайди.* С. Нуров, Нарвон.

МЕТЕОРОЛОГИЯ [*юн.* meteora – самовий ва атмосферавий ҳодисалар + logos – фан, таълимот] **1** Ер атмосфераси, унинг тузилиши, хусусиятлари ва унда бўладиган физик жараёнлар ҳақидаги фан.

2 Об-ҳаво ва уни олдиндан билиш методлари ҳақидаги фан.

МЕТИЗАЦИЯ [*фр.* metisation < metis – икки тур (насл)ни чатишишидан пайдо бўлган] *биол.* Зотини ва навини яхшилаш мақсадида турли зотдаги ҳайвонларни ва турли навдаги ўсимликларни чатиштириш; дурагайлаш.

МЕТИЛ [*фр.* methyle < *юн.*] *ким.* Кўпгина органик бирикмалар таркибида бўладиган, бир атом углерод ва уч атом водороддан иборат гуруҳ.

МЕТИЛЕН [*фр.* methylene < *юн.*] *ким.* Кўпгина органик бирикмалар таркибида бўладиган, бир атом углерод ва икки атом водороддан иборат гуруҳ.

МЕТИН [*а.* متين – маҳкам, мустаҳкам] **1** *от* Тошлоқ ва қаттиқ ерларни қазиш, тош кесиш учун ишлатиладиган учли чўкич ёки теша. *Фарҳодлар тер тўкар туну кун бунда, Метинлар зарбига чидай олмас тош.* Уйғун.

2 *сфт.* Қаттиқ, заранг. *У* [*Йўлчи*] *бу ерга олдин сув қўйиб, ер юмшагандан сўнг ковлаш кераклигини англаса ҳам.. тоғанинг амридан чиқмаслик учун метин жойни кавлайверди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Мустаҳкам, бузилмас. *Метин сафлар.* ▬ *Душманнинг қўрғони жуда метин экан.* Ойбек, Навоий. *Аҳмад Дадамат акани.. метин иродали одам деб ўйлаган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МЕТИС [*фр.* metis – икки тур (насл)нинг чатишувидан пайдо бўлган] **1** Метизация йўли билан вужудга келтирилган ҳайвон ёки ўсимлик.

2 Турли ирққа, мас., европаликлар билан индейсларга мансуб эр-хотиндан бунёдга келган авлод; дурагай.

МЕТОД [*юн.* methodos – тадқиқот усули, йўли] **1** Табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. *Диалектик метод. Қиёсий метод.*

2 *қ.* **усул, услуб.** *Меҳнатни илмий ташкил этишнинг янги элементлари, даволашнинг янги методлари жорий қилинмоқда.* Газетадан.

МЕТОДИК Метод ва методикага оид; усулий. *Методик маслаҳатлар. Методик қўлланма.* ▬ *Бу йил.. 12 кишидан иборат методик кенгаш тузишга қарор қилдик.* Газетадан.

МЕТОДИКА [*юн.* methodike] **1** Бирор ишни бажариш, амалга ошириш, адо этиш методларининг, усулларининг йиғиндиси. *Илмий-тадқиқот методикаси.*

2 Ўқитиш усуллари ҳақидаги таълимот. *Ўзбек тили методикаси. Рус адабиёти методикаси.*

МЕТОДИСТ [*ингл.* methodists < *юн.* methodos] Методика мутахассиси. *..кен-*

гашларга энг тажрибали методист олимларни, ўқитувчиларни жалб этиш керак. Газетадан.

МЕТОДОЛОГ Методология мутахассиси.

МЕТОДОЛОГИК Методологияга оид. *Методологик тадқиқотлар. Методологик масала. Илмий текширишнинг методологик асослари.* ▬ *Маънавият ва маърифат курсларида назарий ва методологик семинарлар, конференциялар, якунловчи суҳбатлар ўтказилмоқда.* Газетадан.

МЕТОДОЛОГИЯ [метод + *юн.* logos – таълимот] Умуман, илмий метод ҳақидаги, хусусан, айрим фанларнинг методлари ҳақидаги таълимот. *Тарих методологияси.*

МЕТОНИМИК Метонимиядан иборат бўлган. *Метонимик ибора.*

МЕТОНИМИЯ [*юн.* metonymia – қайта номлаш] *ад.* Бирор предмет ёки ҳодиса номини шу предмет билан бир ўрин олган бошқа предмет номи билан алмаштириш; шу хилда ишлатилган сўз ёки ибора. (мас., *самовар* сўзининг «чойхона» маъноси метонимия асосида ҳосил бўлган.

МЕТР [*фр.* metre < *юн.* metron – ўлчов] **1** Метрик ўлчовлар системасида: 100 сантиметрга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

2 Сантиметрларга бўлинган шу узунликдаги ўлчов асбоби; газчўп. *Тасма метрни олиб, ўлчай бошладилар.* «Гулдаста».

МЕТРАЖ [*фр.* metrage] **1** Бирор нарсанинг метрлар билан ифодаланган узунлиги. *Кинолента метражи.*

2 Бинонинг, уйнинг квадрат метрлар билан ифодаланган саҳни. *Хонанинг метражи.*

МЕТРИК I Метрга оид, асосини метр ташкил қилган. *Метрик ўлчов системаси.*

МЕТРИК II Метрикага, вазнга оид.

Метрик вазн *ад.* Қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг бир тартибда такрорланишига асосланган шеърий вазн; аруз вазни.

МЕТРИКА I [*пол.* metryka < *лот.* matricula – рўйхат] Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома. *Кичик гражданга метрика керак, Қайд қилишар расмий ҳужжатда отин.* С. Акбарий.

МЕТРИКА II [*юн.* metrike < metron – ўлчов, миқдор, катта-кичиклик] *ад.* Шеър вазни, ўлчови ҳақидаги таълимот ва шеърий вазннинг ўзи.

МЕТРЛАМОҚ Метр билан ўлчамоқ.

МЕТРЛИ Метр узунлигидаги. *Уч метрли тахта.*

МЕТРО [*фр.* metro] Ер остига қурилган шаҳар электр темир йўли. *Бугунги куннинг йирик қурилишларидан бўлган метро тобора кенгайиб бормоқда.* Газетадан.

МЕТРОЛОГ Метрология олими, мутахассиси.

МЕТРОЛОГИК Метрологияга оид. *Метрологик текширишлар.*

МЕТРОЛОГИЯ [*юн.* metron – ўлчов + logos – таълимот] Ўлчов ва тарозилар ҳақидаги фан.

МЕТРОПОЛИТЕН [*фр.* metropolitain < *юн.* metropolis – асосий, бош шаҳар, пойтахт] *айн.* **метро.** *Бу плиталар метрополитен қурилишларида ишлатилади.* Газетадан.

МЕТРОПОЛИЯ [*юн.* metropolis < meter – она + polis – шаҳар] Ўзга мамлакатларни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирган империалистик давлат. *Кўпинча собиқ метрополияларнинг.. элчихоналари шу мамлакатларнинг ўз министрликларига қараганда кўпроқ нуфузга эга.* Газетадан.

МЕТРОСОЗ (*асосан кўпл. шаклида*) Метро қурувчи шахс, мутахассис. *Метросозлар метронинг иккинчи навбати биринчи линияси қурилишини ҳам.. олиб бормоқдалар.* Газетадан.

МЕХАНИЗАТОР [*юн.* mechane – қурол, машина] **1** Механизация мутахассиси. *Ўттиз бир йигит-қиз Олмазордаги механизаторлар тайёрлайдиган билим юртига бориб ўқиймиз.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Машина ва механизмларни бирор соҳага жорий этувчи мутахассис. *Қишлоқ хўжалик механизаторлари.* ▬ *..механизаторлар ҳосил йиғим-теримида ҳал қилувчи роль ўйнадилар.* Газетадан.

МЕХАНИЗАЦИЯ [*юн.* mechane – қурол, машина] Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган (қўлланадиган) машина ва механизмлар мажмуи. *Чўл шароитида қўлда бажарилиши керак бўлган айрим ишларни механизация зиммасига юклаш юзасидан изланишлар олиб борди.* Газетадан. *Кўчиев оғир ишларни механизация гарданига юклаб, анча осонлаштирди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ *с. т.* Ишлаб чиқаришда механизацияни жорий қилиш, қўл меҳнатини тўла ёки қисман машина, механизмларга ўтказиш. *Халқ хўжалиги кенгашининг ходимлари корхоналарга тез-тез бориб, ишлаб чиқариш жараёнини автомат-*

лаштириш ва механизациялашда бевосита қатнашадиган бўлдилар. Газетадан. *1964 йил хўжаликларда пахтачиликни комплекс механизациялаш йили бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШМОҚ Машина, механизмлар билан қуролланмоқ. *Механизациялашган хўжалик тармоғи.*

МЕХАНИЗМ [*юн.* mechane – қурол, машина] **1** Машина, асбоб, аппарат ва ш. к. нинг ички, ишга солувчи қисмлари, ички тузилиши. *Соат механизми. Станок механизми.* ▬ *..қани, пулемётчи бўлсанг, механизмларини гапириб бер-чи!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор ишни бажарувчи мураккаб машина. *Ҳозирги замон қурилишини мана шу механизмларсиз тасаввур қилиш қийин.* Газетадан.

3 Ички тузилиш, система. *Давлат механизми.*

4 Бирор нарсанинг ўзаро боғлиқ бўлган ва яхлитликни ташкил этувчи қисмлари. *..сюжетлар кетидан сюжетлар, характерлар кетидан характерлар келиб, ёзувчи ижодий лабораториясининг ҳамма механизмларини ишга солиб юборганди.* М. Қўшжонов, Поэмадан романга.

МЕХА́НИК 1 Механика мутахассиси. *Механикларнинг назарий тадқиқотлари.*

2 Машиналарни назорат қилувчи ва ишга солувчи лавозимли киши, мутахассис. *Трактор бригадаси механиги.* ▬ *Механик йигит ер остидан унга кўз ташлаб турганини ҳам пайқаган эди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн.

МЕХАНИ́К 1 Механикага оид, механика фанини ўрганадиган. *Механик ҳаракат.*

2 Механизм ёрдами билан ишлайдиган. *Механик асбоб.*

3 *кўчма* Ғайриихтиёрий равишда содир бўлган, йўл қўйилган. *Механик хато.* ▬ *Бунга механик муносабатда бўлиш муаммони ёритишга эмас, балки чалкаштиришга сабаб бўлади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

МЕХАНИКА [*юн.* mechanike (techne) – машиналар яратиш (санъати)] **1** Жисмларнинг макондаги ҳаракати ва уларнинг ўзаро таъсирини ўрганувчи фан. *Назарий механика.* ▬ *Космик миқёсда содир бўлаётган турли жараёнларни ўрганиш туфайли физика, механика ва бошқа қатор фанлар беқиёс бойиб бормоқда.* Газетадан.

2 Техниканинг ҳаракат ва кучлар ҳақидаги билимларни амалий вазифаларга татбиқ этиш билан шуғулланувчи тармоғи. *Бинокорлик механикаси.*

3 Машина ва механизмлар тайёрлаш ва уларни тузатишга оид. *Механика цехи. Механика заводи.* ▬ *Умарали механика устахонаси олдида қаторлашиб турган машиналар ичида.. «Победа»га ҳавас билан қаради.* И. Раҳим, Ихлос.

МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИ Пахта териш машинасини ҳайдовчи ва уни тузата билувчи тракторчи. *Жиянқулнинг укаси воҳамизнинг энг довруқли механик-ҳайдовчиси.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МЕХАНИСТ Механицизм йўлидан борувчи.

МЕХАНИСТИК Механицизм принципларига асосланган. *Механистик материализм. Механистик назария.*

МЕХАНИЦИЗМ [*юн.* mechane – қурол, машина *ёки* mechanike – машина яратиш] Оламдаги турли-туман ҳодисаларни материянинг, бир турдаги оддий заррачаларнинг механик ҳаракатидангина иборат деб билувчи, тараққиётнинг мураккаб қонуниятларини эса механиканинг оддий қонунлари билан тенглаштирувчи ғайридиалектик фалсафий оқим.

МЕЧАЛ *с. т.* Рахит касали, шу касалга йўлиққан шахс. *-Нега ярим челак олиб келдинг, мечал!? – деб ўшқирди.* И. Раҳим, Оловкор.

МЕЧКАЙ 1 Ебтўймас, юҳо. *Тавба, шунча одамнинг ҳақини еяётганига ҳайронмиз. Ёки мечкай бўлиб қолганмикин?* «Муштум». *Таом ейиш билан умр узаядиган бўлса, мечкайлар энг узоқ умр кўрган бўларди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 *с. т.* Рахит. *У мечкай касалига учраган болалардай инжиқ эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

МЕШ [*ф.* مشک – тери, саноч; тери халта] **1** Сув, қимиз ва ш. к. суюқ нарсалар солиб қўйиладиган, ташиладиган тери; саноч. *Манғқишлоққа тушиб, қозоқлар овулидан бир меш қимиз олиб чиқишди.* М. Мансуров, Ёмби. *Битта жангчи челакдаги сувни мешга авайлаб қуйди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Оёқ кийими астари, супра ва ш. к. нарсалар учун ишлатиладиган жўн қўй тери. *Хотин, қорилган хамирни меш супрага ўраб,*

устига серпахта кўрпани ёпгандан кейин, ерда турган чўян обдастадан қўлини ювмоқчи бўлди. С. Айний, Дохунда.

3 *кўчма с.т.* Мешга ўхшаш; дўмбоқ, думалоқ (қоринга нисбатан). *Хўрандалар ҳақин уриб, қорни кўпчиб меш бўлди.* «Муштум».

МЕШКОБ [*ф.* مشکاب – мешда сув ташувчи] **1** *тар.* Мешда сув ташувчи, кўча ва бозорларда меш кўтариб юриб сув сотувчи киши. *Елкасида сув тўла меш, қўлида сопол коса билан қичқираётган мешкобни кўрган Майна чанқаб, сув ичкиси келди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *айн.* **меш 1,3.**

МЕШКОБЧИ *с. т.* Мешкоб. *Тор кўчаларда юрган отлиқ, пиёда кишилар, нонвойлар, мешкобчилар унинг диққатини ўзига тортмади.* Мирмуҳсин, Чўри.

МЕШКОБЧИЛИК Мешкоб(чи) иши, касби. *Полвоннинг хаёли бўлиниб.. Бухоро кўчаларида мешкобчилик қилиб юргани бирма-бир кўз олдидан ўтди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МЕШКОБҚУШ Куракоёқлилар туркумига мансуб, тумшуғи остида мешкоби бўлган катта сув қуши; бирқозон, сақоқуш. *Дарё дельталарида мешкобқуш, ғоз, ўрдак учрайди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МЕШЧАН [*р.* мещанин < *пол.* mieszczanin – шаҳарлик**] 1** Чор Россиясида шаҳар буржуазиясига мансуб майда савдогар, ҳунарманд ва қуйи хизматчилар табақасига мансуб шахс.

2 *кўчма* Тушунчаси тор, ўз шахсий манфаатлари, хусусий мулкчилик дарди билан яшовчи шахс; манфаатпараст.

МЕШЧАНЛИК 1 Мешчанга хос хислат, хатти-ҳаракат. *Мешчанлик, шахсиятпарастлик қобиғига ўралиб олган шахслар.. ота-оналарга ғамхўрлик қилиш ўрнига мушт кўтариб азобламоқда.* «Муштум».

2 Мешчанга хос ҳаёт тарзи, мешчанча яшаш. *У [Ғафур Ғулом] ўзининг кўпгина сатирик асарларида феодализм сарқитларини, мешчанликни танқид қилди.* Газетадан.

МЕЪДА 1 [*а.* معده – ошқозон] Кишининг овқат ҳазм қилиш аъзоларидан бири; ошқозон-ҳазм йўлининг қизилўнгачнинг пастки учи билан ўн икки бармоқли ичакнинг бошланиш қисми оралиғида жойлашган кенгайган қисми. *Саккиз-тўққиз ойлаб қовун кўрмаган меъдага одатдан ташқари кўп тиқилган янгилик ўз ишини қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Лола сайли киши дилидаги ғуборни йўқотур, равоч меъдани тозалайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Меъдага (зиғир ёғдек) тегмоқ (*ёки* **урмоқ**) Обдан ёқмай қолмоқ, жонга тегмоқ. [*Муллаҳўзи:*] *Ҳозир бу бойваччангиз ҳам меъдага зиғир ёғдек тегиб турибди.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Энг яхши китобни ҳам.. қайта-қайта ўқиш кишининг меъдасига тегади.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. **Меъдага ўтирмаслик** Дидига ёқмаслик, маъқул бўлмаслик. *Мени пахта тортадиган катта тарозига қўйдилар. Бу иш менинг меъдамга ўтирмади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Сассиқ меъда** *айн.* **сассиқ кекирдак** *қ.* **сассиқ.** *-Эй тақсирим, сассиқ меъда бўлиб қолдим-ку, – деди.* «Олтин бешик».

МЕЪДА II Терида оқ ёки рангли доғлар ҳосил қиладиган касаллик.

МЕЪЁР [*а.* معيار – ўлчак, асосий ўлчов; андоза] **1** Расмийлаштирилган, умум томонидан қабул қилинган, ҳамма томонидан мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида. *Ҳуқуқ меъёрлари. Ахлоқ меъёрлари.*

2 Бирор нарса, иш ва ш. к. нинг миқдор, даража жиҳатдан талабдаги, белгили ўлчами. *Ҳар нарса ҳам ўз меъёрида яхши. Меъёрини билмоқ. Бир меъёрда ишламоқ.* ▬ *Бизда деҳқончиликнинг.. бир кунга кесилган иш меъёри бор.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Табиат ўзи уста деҳқон. Меъёри билан данак ташлаган, меъёри билан уруғ сочган.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *Лекин ана шу меҳроқибат меъёрида бўлмоғи керак. Бу ишда меъёрни унутиш ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррар.* Газетадан.

3 Ана шу меъёрни белгиловчи асосқўрсаткичлар. *Баҳо қўйиш меъёрлари.*

4 *с.т. кам қўлл.* Чек-чегара. *Бу ададсиз чўл эди, Сира меъёри йўқ эди.* «Баҳром ва Гуландом».

Бир меъёрда Бир хилда, бир тарзда. *Қуёш кундан-кун бир меъёрда исиб борарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бундан ташқари, думба қўй танасидаги ҳароратни бир меъёрда сақлашга ёрдам беради.* С. Анорбоев, Оқсой.

МЕЪЁРИЙ Меъёрга оид, меъёр жиҳатдан. *Буларнинг меъёрий ҳолатини сақлашда.. шифобахш гиёҳлар фойдалидир.* Газетадан.

Меъёрий ҳужжат Меъёрлар билан белгиланадиган ҳужжат. *Муҳими.. меъёрий ҳужжатларга қандай ўзгартиришлар киритишни аниқлаб олишдир.* Газетадан.

МЕЪМОР [*а.* معمار – бинокор, иморатсоз; архитектор] Меъморчилик мутахассиси. *..бу бинонинг ҳақиқий санъат даражасига кўтарилиши Хуросон меъморлари – устоз Қавом, устоз Нажмиддин Бухорий.. номи билан боғлиқдир.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МЕЪМОРЛИК 1 Меъмор иши, касби. *Меъморликни муқаддас бир санъат деб билган Мулла Фазлиддин Ёқуббекнинг шаҳвоний ниятларидан нафрати келди.* П. Қодиров, Бобур.

2 *айн.* **меъморчилик.** *Хоразмлик вакиллар Хивага ўхшаб кетадиган қадим тарихга бой Бухоронинг меъморлик санъати нодир ёдгорликларини кўриб, ниҳоятда қойил қолишди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МЕЪМОРЧИЛИК 1 *айн.* **меъморлик 1.** *Меъморчиликни ўрганмоқ.*

2 Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати. *Меъморчилик асари сифатида музей биноси жуда оригинал ва ўзига хос.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МЕЪРОЖ [*а.* معراج – парвоз, юқорига кўтарилиш] *дин.* Осмонга, арш-аълога, худонинг олдига чиқиш (Муҳаммад пайғамбарнинг Қуддусдаги Ақсо масжидидан осмонга кўтарилиши).

МЕҲВАР [*а.* محور – ўқ (чарх ўқи), вал; ўқлоғи] *эск. кт.* Ўқ, айланиш маркази. *Ер меҳвари.* ▬ *Сен-чи, меҳварингда айланасан тек, яхшию ёмонни елкангга ортиб.* А. Орипов.

МЕҲМОН [*ф.* مهمان – меҳмон, ташриф буюрувчи] **1** Тўй, зиёфат ва ш. к. муносабати билан йўқлаб келган (борган) шахс. *Меҳмон бўлмоқ. Меҳмон қилмоқ. Меҳмон(га) айтмоқ.* ▬ *Қутидор меҳмонларни ихлос ва самимият билан кутар, зиёфат қуюқ-суюқлари билан тўла-тўкис давом этар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Мажлис, йиғилиш, кенгаш ва ш. к. га четдан чақирилган шахс. *Сессияга чақирилган депутат ва меҳмонлар. Қурултойда меҳмон сифатида қатнашмоқ.* ▬ *Фестивалнинг қатнашчилари ва меҳмонлари орасида таниқли давлат арбоблари.. истеъдодли ижодкор ёшлар бор.* Газетадан.

3 Четдан ташриф буюрган, вақтинчалик қўнган шахс. *Эшикни очиши билан: -Отдан қўнингиз, меҳмон, – деди [уста Алим] отни Отабек қўлидан олгач.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Янги меҳмон Янги туғилган ёки туғиладиган чақалоқ. *Мумтоз «янги меҳмон» кутаётган севимли рафиқаси Амални ҳам унутиб қўйрди.* С. Азимова, О, Лайло.

МЕҲМОНДОР [*ф.* مهماندار – меҳмонни қабул қилувчи] Меҳмони бўлган, меҳмон кутаётган киши; мезбон.

МЕҲМОНДОРЛИК *кам қўлл. айн.* **меҳмондорчилик.**

МЕҲМОНДОРЧИЛИК Меҳмон кутиш, зиёфат. *Меҳмондорчиликка бормоқ.* ▬ *Мажлис Зиё шоҳичининг уйида Отабекнинг меҳмондорчилиги учун йиғилган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энди Гулноз эри билан баҳслашиб, меҳмондорчиликдаги нуқсонларни гапиришга тушиб кетишди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

МЕҲМОНДЎСТ [*ф.* مهماندوست – меҳмонни дўст кўрувчи] Меҳмонни, меҳмон кутишни, меҳмон чақиришни яхши кўрадиган; меҳмонсевар. *Меҳмондўст ўзбек халқи.* ▬ *Кенг феъл, одамшаванда, меҳмондўст, танти фарғоналиклар Аҳмадни мафтун этди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тошкент ўзининг меҳмондўстлиги, халқаро анжуманлар шаҳрига айланиб қолганлиги билан жаҳон халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда.* Газетадан.

МЕҲМОНДЎСТЛИК 1 Меҳмондўст эканлик. *Азалдан ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги билан машҳур.* Газетадан.

2 Меҳмондўстга хос хислат, хатти-ҳаракат, меҳмон кутишни ўрнига қўйиш. *Халқимиздаги меҳр-оқибатлилик, болажонлик, меҳмондўстлик каби миллий одатлар умуминсоний мазмун касб этган.* «ЎТА». *-Эна, меҳмондўстликни бугун дўндирасиз, – кейин Гуландомга кўз ўйнатди бойвачча, – нималарни кўнглингиз истайди?* Ойбек, Танланган асарлар.

МЕҲМОН-ИЗЛОМ *қ.* **меҳмон-измон.** *Холангизни биласиз, тўй-ҳашам, меҳмон-излом деса, икки маҳалла нарида бўлса ҳам кетаверади.* «Муштум».

МЕҲМОН-ИЗМОН Меҳмондорчилик; меҳмон ва шунга ўхшаш киши. *Пол ҳар доим ёғ тушса ялагудай ярқираб турсин эмиш, бўлмаса, меҳмон-измон, ошна-оғайнидан номус қилармишлар.* Ҳ. Назир, Бир түп ғўза.

Обида меҳмон-измонга ҳам ёлғиз ўзи борарди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

МЕҲМОННАВОЗ [*ф.* مهمان‌نواز – меҳмонни ардоқловчи] *айн.* **меҳмондўст.** *Феъли кенг, сўзи бир бизнинг тоғликлар. Кўп меҳмоннавоздир бизнинг тоғликлар.* Х. Салоҳ, Тоғ – менинг ватаним. *Ўзи ҳам, хотини ҳам ғоят меҳмоннавоз.* «Шарқ юлдузи».

МЕҲМОНХОНА [меҳмон + хона] **1** Меҳмон кутиладиган уй. [*Сафар бўзчи*] *Бир неча марта келиб, Анварнинг меҳмонхонасига ўрганиб қолган.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Табиб, Меъмор.. меҳмонхонага тайёрланган дастурхон атрофига ўтиришди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Мусофирларнинг вақтинча туриши учун жиҳозланган хоналардан иборат бино; мусофирхона. *Шаҳар меҳмонхонаси. Меҳмонхонада турмоқ.* ▬ *Меҳмонхонанинг еттинчи қаватидаги ресторандан оркестр садоси, мастона қийқириқлар эшитилади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МЕҲНАТ [*а.* محنت – синов; машаққат, оғирчилик] **1** Бирор мақсад учун қаратилган ақлий ёки жисмоний фаолият; иш. *Ақлий меҳнат. Жисмоний меҳнат. Меҳнат интизоми. Меҳнатда чиниқмоқ. Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат.* Мақол. ▬ *Меҳнатга ўрганган киши меҳнатсиз қолса, меҳнат хумор қилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор мақсад учун сарфланадиган куч, ғайрат, ҳаракат. *Бир томондан, раиснинг обрўсини сақлаш, иккинчи томондан, бу тадбирдан қаттиқ норози бўлган одамларга бунинг моҳиятини тушунтириш керак бўлиб қолди. Ўрмонжон бунга хийлагина вақт ва меҳнат сарф қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Меҳнат қилмоқ Иш-ҳаракат билан машғул бўлмоқ; ишламоқ. *Меҳнат қилган одам доим бошқаларнинг юзига дадил қарайди.* Т. Ашуров, Оқ от.

Меҳнат куни (*ёки* **меҳнат**) *тар.* Колхозчининг колхоз даромадидаги ҳиссасини белгиловчи, меҳнатини ҳисобга олиш бирлиги. *Энди меҳнат кунига ҳам оз-моз дон тегса керак.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Колхозчилар меҳнат кунларига ҳеч вақт ҳозиргидан кўп ҳақ олмаган.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МЕҲНАТКАШ [*а.+ф.* محنت‌کش – азоб, қийинчилик тортувчи] **1** Меҳнат қилиб кун кўрувчи; меҳнат кишиси. *Меҳнаткашлар оммаси.* ▬ *Сиёсий савод аввало шуки, ҳар бир меҳнаткаш оқни қорадан, дўстни душмандан ажрата билиши керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У эркпарвар, содда, меҳнаткаш халқнинг бундай олижаноблиги қаршисида ўзининг масъулиятини яна чуқурроқ сезди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Меҳнат қилиб чарчамайдиган; меҳнатсевар. *Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон..* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

МЕҲНАТСЕВАР Меҳнатни севадиган, меҳнатга кўнгил қўйган. *Абдуғафур ота Муҳиддиннинг оқил, меҳнатсевар йигит эканлиги ҳақида қизиқиб сўзлаб берди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК Меҳнатсеварга хос хислат, хатти-ҳаракат. *Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг ҳаётий ва ижодий йўли камтарлик, меҳнатсеварлик ва халққа сидқидилдан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

МЕҲНАТЧАН *с. т.* Меҳнатсевар.

МЕҲНАТЧИ *эск.* Меҳнаткаш, ишчи, хизматчи. *Заводда ёш меҳнатчилар кўпчиликни ташкил этади.* Газетадан. *Ниёзҳожи бўлса қув одам, Собиржондай меҳнатчи бир қаролни қўлдан чиқаришни у сира-сира истамас эди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

МЕҲР I [*ф.* مهر – севги, муҳаббат; мойиллик] **1** Инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман, одамга, нарсага бўлган самимий муҳаббати; яхши кўриш туйғуси. *Оналик меҳри. Меҳрини қозонмоқ. Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббат. Меҳр билан ўқимоқ. Ишга меҳр қўймоқ.* ▬ *Тўсатдан вужудини қамраган оналик меҳри ғолиб келиб, тортган азоби ҳам эсидан чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Икки ёр севгиси ҳам меҳри шунда. Шоирнинг илҳоми, шеъри ҳам шунда.* М. Алавия. *Ёшлар ўртасида деҳқончилик касбига меҳр уйғотишга эътиборни кучайтириш керак.* Газетадан. *Бу ўрик бир вақтлар Муроталининг отаси томонидан экилган ва меҳр билан парвариш қилинган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Шафқат, раҳмдиллик. *Одамнинг юрагида меҳр бўлиши керак. Керакли вақтда кўмаклашиш керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

Меҳр қўймоқ Меҳрини бермоқ, меҳр боғламоқ. *Мен фақат ўзим чизган суратга*

– *ўз ижодимга меҳр қўйганман, холос!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Меҳри товланмоқ** Меҳри қўзғалмоқ, меҳри жўш урмоқ. *Онаси ўғлини подшоҳ бўлмасидан олдинги номи [Ботиржон] билан атаб, меҳри товланиб гапиргани Бобурга жуда ёқимли туюлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МЕҲР II [*ф.* مهر – эроний қуёш йилининг еттинчи ойи; қуёш] Қуёш, офтоб. *Жаҳоннинг меҳри иккидур: бири сенсан, бири – офтоб.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

МЕҲРИБОН [*ф.* مهربان – ёқимтой, мулойим; раҳмдил, илтифотли] **1** Меҳр-шафқат кўрсатувчи, меҳр билан муносабатда бўлувчи. *Моҳлар ойимнинг Анвар билан муомаласи холис ва самимий бўлиб, у Анварга ўз боласидай меҳрибон эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Болаларининг бахти учун ҳар қандай жафоларга ўзини отган, меҳрибон, шафқатли она!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **ғамхўр**. *Бу ерда бир меҳрибоним йўқки, менга кўмаклашса.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Меҳр (меҳрибонлик) ифодаловчи. *Ҳамиша кулиб турадиган меҳрибон чеҳраси.. ҳозир жиддий эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Элмуроднинг қандай аҳволга тушганини сезган Гулсум уни меҳрибон сўзлари билан юпатмоқчи бўлиб келган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МЕҲРИБОНЛИК 1 Меҳрли (меҳрибонга хос) эътибор, муносабат; меҳрибонга хос хислат. *Аҳмаднинг ёнидан ўтар эканлар, Асадилло меҳрибонлик билан унинг елкасига қўлини қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Комбинатда одамлар ўзларига эътибор ва меҳрибонликни сезишмаяпти.* Газетадан. *Домланинг отасидек бўлиб қолгани, меҳрибонлиги унга далда берди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *айн.* **меҳрибончилик.** [*Нодира:*] *Ота-оналаримдан, опа-сингил, оға-ини, қариндош-уруғларимдан кўрмаган бу меҳрибонликларни, ўлсам, қора тупроғим унутмасдир.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Ҳозир ҳам у нимагадир ёш боладай аясининг меҳрибонликларини қўмсади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Меҳрибонлик қилмоқ Меҳрибонга хос эътибор кўрсатмоқ, меҳрибонларча иш-ҳаракат қилмоқ. *Бирортаси менга меҳрибонлик қилмаса, ёмон кўрса, калака қилса..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МЕҲРИБОНЧИЛИК Меҳрибон кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; ғамхўрлик; меҳрибонлик. *Сувонжон сувни ичиб, ақли-ҳуши ўзига келиб, нозли дилбарнинг меҳрибончилигини билди.* «Орзигул».

МЕҲРИГИЁ(Ҳ) [*ф.* مهرگیاه – мандрагора] **1** Итузумгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик (халқда шу ўсимлик донини ёнида сақлаб юрган кишига одамлар меҳр қўяди, деган афсона бор).

2 *кўчма* Меҳрни тортувчи кимса ёки нарса. [*Хотин*] *Битта ўғил туғиб берди-ю, эр-хотин орасига меҳригиё тушди-қўйди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *Яхши одамнинг меҳригиёси бўлади, деганларича бор экан.* С. Кароматов, Олтин қум.

МЕҲРЛИ Меҳр-шафқатли, меҳрибон. *Бир зумда болалигим дейсизми, уй, меҳрли.. оналар кўз ўнгимдан бирма-бир ўтди.* М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган.

МЕҲРОБ [*а.* محراب – ибодатхона; токча, тахмон тепасининг ярим доира қилиб ишланган қисми] **1** Масжид ичида унинг қибла томонидаги деворида тахмон шаклида қурилган жой (намоз шу томонга қараб ўқилади). *Ҳужранинг ичи қоронғи бўлмаса ҳам, қоидага биноан, ғарб томонидаги меҳробга шам ёқиб қўйилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *У меҳробга етиб келгач.. ярим қоронғи хонада.. тасбеҳ ўгириб ўтирган уч-тўрт кишига кўзи тушди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *айн.* **тахмон.** *Кўрпани меҳробга йиғиб қўймоқ.*

3 *кўчма* Бирор нарса, жойнинг тўри, тўр томони. *Ватан – сен юрагим, юрагим сенсан. Юрагим меҳроби – муқаддас Ватан.* Г. Жўраева. *Оташин барқ ёнди гулранг чархнинг меҳробида.* Э. Воҳидов.

МЕҲТАР [*ф.* مهتر – катта, баланд, олий] *тар.* Қушбеги даражасидаги юқори лавозим: хон саройидаги хорижий ишлар мутасаддиси. *Бошига катта симобий салла, эгнига.. зарчопон кийган меҳтар тўрдаги кўрпачада ўтириб, элчиларга йўл-йўриқ берар эди.* М. Осим, Элчилар.

МЕҲТАРА *шв.* Меш, саноч. *Меҳтарага сув олиб, бек Муродхон жўнади.* «Муродхон».

МИ [*итал.* – mi] Мусиқа гаммасининг учинчи товуши ва унинг нота белгиси (нота йўлининг биринчи чизиғига ёзилган товуш).

МИГРАЦИЯ [*лот.* migratio – (аҳолининг) бир жойдан бошқа жойга кўчиши]

Аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши ёки кўчириш. *Миграция хизмати маълумотларига қараганда, шаҳарга ҳар йили 55 минг одам норасмий ҳолда яшаш учун келаётган экан.* Газетадан.

МИГРЕНЬ [*фр.* migraine < *юн.* hemikrania – бош суягининг ярми] Одатда бошнинг ярмисида қаттиқ тутиб оғрийдиган нерв касаллиги.

МИЕЛИТ [*юн.* myelos – орқа мия] Орқа миянинг ўткир яллиғланиши.

МИЁВ 1 *тақл. с.* Мушукнинг овозини билдиради. *Сидиқжон шундай қаттиқ кулдики, бурчакда кулча бўлиб ётган мушук шошиб ўрнидан турди ва Сидиқжонга қараб, «миёв» деди.* А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари.

2 *бол. айн.* **мушук**. *Ана миёв.*

МИЁВЛАМОҚ «Миёв-миёв» демоқ. *Деворлар орқасида, томлар устида кечаси билан мушуклар миёвлаб чиқади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МИЁН [*ф.* میان – ўрта, марказ; ич] **1** *кам қўлл.* Ўртаси, ўрта. *Бухоро шаҳрида Мирараб мадрасасининг миён саройида кўп муллалар тўпланишиб, мадрасанинг вақфи тўғрисида гапиришмоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 *айн.* **бел 1.**

Мўрча миён (*айн.:* чумоли бел) Хипча бел, бели ингичка.

МИЁНА [*ф.* میانه – ўрта, марказ; ўртадаги; ўртача] **1** *кам қўлл.* Ўртача, ўрта. *Миёна ҳол деҳқон.* ▬ *Пахтасини шаҳар заводида тозалатган Азимбойвачча миёнагина завод қурди қишлоққа.* С. Аҳмад, Асарлар. *Фурқат.. тўлароқ, қора соқол, миёна қад, Завқий сингари хушчақчақ одам эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 (3-ш. эгалик ва ў.-п. к. қўшимчалари билан – **миёнасида**) *кўм. взф.* Пайт, макон муносабатини билдиради; орасида, давомида. *Ҳамма иш битганда, икки кун миёнасида, енг ичида никоҳ ўтказмоқчи эдик.* Ойбек, Танланган асарлар.

МИЁНЧА *этн.* Хотинларнинг тўй дастурхонлари ичида патнисда олиб бориладиган мева, қанд-қурс. [*Хадича хола:*] *Миёнча тайёр, энди бир саватда кулча бўлса бўлгани.* Т. Алимов, Хосият буви ажабланди. *Сарпо-суруқ олиб, битта патнисда миёнча тугиб бераман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МИЖГОН [*ф.* مژگان – киприклар] *кт. айн.* **киприк**. *Кўрса ҳар кимда Ҳабибийдек муҳаббат шавқини, Ғамза бирла эгма қош остида мижгон қўзғалур.* Ҳабибий.

МИЖЖА [*ф.* مژه – киприк] *айн.* **киприк**. *Ранги синиққан, хаста, кўзи юмуқ, мижжалари бир-бирига ёпишиб қолгандек.* С. Нуров, Дурдона.

2 Киприк ости. *Саодат дарҳол ювиниб, артиниб, ойнага қаради. Кўзлари киртайиб, мижжалари кўпчиб қолибди.* И. Раҳим, Ихлос.

Мижжа қоқмаслик Ухламай, бедор ётиш. *Воҳид кечаси мижжа қоқмасдан, вагоннинг тамбурида папирос чекиб, тонг оттирган эди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

МИЖИМОҚ *с.т. айн.* **мижғиламоқ, мижғимоқ.**

МИЖИҒ Ғижимланган, ғижим. *Мижиғ қоғоз.*

МИЖИҒЛАМОҚ Эзиб мижиғ қилмоқ. *Йигитали шошиб, шимининг чўнтагидан бир сўмликни чиқарди, кафтлари орасида мижиғлаб, унга қарши юрди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Комилжон Зуннуновга шу қадар тикилиб қарадики, иложи бўлса, уни мижиғлаб ташлашга тайёр эди.* И. Раҳим, Ихлос.

МИЖОЗ I [*а.* مجاز – рухсат этилган, гувоҳномаси бор] **1** Сотувчига нисбатан доимий харидор ва шу харидорга нисбатан сотувчи. *Мижозингдан айрилгинг келса, насияга мол бер.* Мақол. ▬ *У* [*қизга*] *ҳар кун эрталаб қаймоқ олиб келадиган мижоз эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор иш-юмуш билан доим алоқада бўлган шахс. *Ўша китобда «Роҳат» чойхонаси мижозларининг ғалати ҳазил-мутойибалари, ичак узди латифаларию тагдор қочириқларини қаламга олган эдим.* «Муштум». *Муллажон ака ихлос билан соқол қирар эканлар, мижозга тушунтира кетдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МИЖОЗ II *с. т.* Мизож. *Кенжа бу антиқамижоз одамни ўзига яқин кўриб қолди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Палов меъдамга михдек қадалади, қази-қарта мижозимга тўғри келмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МИЖҒИЛАМОҚ Эзиб мижиғ қилиб қўймоқ, ғижимламоқ. *Хамирни 20 минут тиндириб, сўнгра водопровод жўмраги остида мижғилаб-мижғилаб ювилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

МИЖҒИМОҚ *айн.* **мижғиламоқ.** *Боядан бери санлигингни билганимда, мижғиб ташлардим-ку!* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бутун вужудига оғриқ ва олов югурганини, даҳшатли бир нима бутун ичини юлиб-узиб мижғиганини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МИЖҒОВ 1 Бир ишни дадиллик билан қила олмайдиган; ланж, мағзава. *Бир мақсади йўқ, мужмалу мижғов такасалтанг.* Ҳабибий. *Ҳаётда унингдек иккиланувчи мижғов кишини кўрмаган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

Мижғов гап Аниқ, қатъий бўлмаган, дудмол (ланж, мужмал) гап. *Мижғов гапни ёқтирмайдиган, бир сўзли бу заҳар полковникка муддаосини очиқ айтишга мажбур бўлди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Херхашаси кўп; инжиқ. *Жайдари ғўзадай мижғов, расво экинни деҳқон боласи билмаса керак.* Ғ. Ғулом, Алимқулнинг қарзи.

3 *кам қўлл.* Мижғиловчи, мижғилаб турувчи. *Фаттоҳ Ўлмасбоевнинг қорнида яна ўша эски мижғов оғриқ бошланди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

МИЖҒОВЛАНМОҚ Мижғовлик, инжиқлик қилмоқ. *Мен.. мен.. ҳалиги.. деб чайналди, мижғовланди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ҳозир Нусратбек.. яна иккиланиб, мижғовланиб қолаверди.* С. Нуров, Нарвон.

МИЖҒОВЛИК Мижғовга хос хислат, гап-сўз, хатти-ҳаракат. *Дадамат аканинг сўзлашувида мижғовликдан, муғамбирликдан, ясамаликдан нишон ҳам йўқ.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МИЗ [*ф.* میز – стол; хонтахта] *эск.* Олти оёқли столча. *Бобур миз ёнига, бекасам кўрпача устига ўтириб, «Вақоеъ» деб атаган хотира дафтарини очди.* П. Қодиров, Бобур. *Миз устида – сопол тақсимчада иккита шам, тақсимча четига тамаки кули тўкилган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

МИЗАНСЦЕНА [*фр.* mise en scene – саҳнада жойлашиш] Спектакль давомида актёрларнинг спектаклнинг айрим кўринишларига мос жойлашуви. *Кўп вақт режиссёр тайёрлаган сценарий бадиий сценарийни тахминий кадрларга бўлишдан иборат бўлиб қолади, эпизоднинг талқини, картиналарнинг ритмаси, мизансценалар кўрсатилмайди.* Газетадан.

МИЗОЖ [*а.* مزاج – кишининг табиати; кайфият; гавда тузилиши] **1** Кишининг ўзига хос табиати, хулқ-атвори. *Савдойи мизож одам.*

2 Киши организмининг ўзига хос талаби. [*Отабек*:] *Марғилон ҳавоси мизожимга тўғри келмаганга ўхшайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Мизожи иссиқ *ёки* **иссиқ мизож** Организмига, соғлиғига иссиқлик ёқадиган. *қ.* **иссиқлик. Мизожи совуқ** *ёки* **совуқ мизож** Организмига, соғлиғига совуқлик ёқадиган. *қ.* **совуқлик.**

МИЗҒИМОҚ Озгина ухламоқ, кўз илинтирмоқ. *Кечаси билан мижжа қоқмай чиққан Шодмон ота тонгга яқин мизғиб олди.* Ж. Шарипов, Саодат.

МИЙИҚ *шв.* Мўйлов. *Кашанда Тожиддин Қосим.. қоп-қора, йилтираган мийиғини силаб.. сўради.* Ойбек, Нур қидириб. *..дастурхон атрофида.. мийиғи энди сабза ура бошлаган йигитчалар, бўйига етган қизларгача бор.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

Мийиғида кулмоқ Илжаймасдан, билинар-билинмас кулмоқ. *Тўра онасининг гапига мийиғида кулиб, уйга кириб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор.

МИКРО- [*юн.* mikros – кичик, кичкина] **1** Байналмилал ўзлашма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «кичик, жуда майда», «энг кичик бирликларни ўрганиш ёки ўлчаш билан боғлиқ» каби маъноларни билдиради (мас., *микроорганизм, микроскопик* сингари).

2 Бошланғич физик катталиклар номи олдидан қўшиладиган ва шу бирликнинг миллиондан бир қисмига тенг улуш бирлигини ифодалайдиган олд қўшимча (мас., *микроампер*).

МИКРОБИОЛОГ Микробиология олими, мутахассиси. *Машҳур француз микробиологи Лун Пастер.. чечак касалликлари туғдирувчи микробларни текшириб ўтирарди.* Газетадан.

МИКРОБИОЛОГИК Микробиологияга оид. *Микробиологик тадқиқотлар. Микробиологик жараёнлар.*

МИКРОБИОЛОГИЯ [микро.. + биология] Микроорганизмларнинг тузилиши, биологияси, физиологияси, биокимёси, систематикаси, генетикасини, уларнинг одамнинг ҳаёти, жонли ва жонсиз табиатдаги моҳиятини ўрганадиган ҳамда микроорганизмлар ҳаёт фаолиятини бошқариш

усулларини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланадиган фан.

МИКРОБЛАР [микро.. + *юн.* bios – ҳаёт] *қ.* **микроорганизмлар.**

МИКРОИНСУЛЬТ [микро.. + инсульт] Миянинг кичик ўчоқли инфаркти ёки қон қуйилиши сабабли бўладиган инсульт.

МИКРОИҚЛИМ [микро.. + иқлим] **1** Унча катта бўлмаган жой (ўрмон чеккаси, дала, ботқоқлик, денгиз ёки дарё қирғоғи, шаҳар майдони ва ҳ. к.), ер юзаси устидаги ҳаво қатламининг иқлими.

2 Ёпиқ хоналарда (мас., тураржойда) ноқулай ташқи таъсирдан ҳимоя қилиниб, сунъий яратиладиган оромбахш иқлим шароити.

МИКРОИҚТИСОДИЁТ [микро.. + иқтисодиёт] Иқтисодиётнинг айрим бир хўжалик юритувчи субъектлар (корхона, шахс) фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қисми.

МИКРОИҚТИСОДИЙ Микроиқтисодиётга оид.

МИКРОКЛИМАТ [микро.. + климат] *қ.* **микроиқлим.** *Пахта далаларининг микроклимати.* ▬ *..ҳаво алмаштириб берадиган вентиляторлар нормал ишламайди. Оқибатда микроклимат бузилмоқда.* «Муштум».

МИКРОМЕТР [микро.. + метр] Миллиметрнинг юздан бири қадар аниқлик билан ўлчайдиган асбоб.

МИКРОМЕТРИК Микрометрга ва микрометрияга оид. *Микрометрик ўлчашлар. Микрометрик винт.*

МИКРОМЕТРИЯ Физиканинг масофаларни аниқ ўлчаш ҳақидаги бўлими.

МИКРОН [*юн.* mikros – кичик, арзимас нарса] Метрнинг миллиондан бир улуши.

МИКРООРГАНИЗМЛАР [микро.. + организм] Фақат микроскопда кўриш мумкин бўлган, асосан бир ҳужайрали организмлар (бактериялар, микоплазмалар.. микроскопик замбуруғлар, сувўтлар, вируслар) нинг умумий номи. *Антибиотиклар микроорганизмлардан ҳосил қилиниши сабабли қимматга тушади.* «Фан ва турмуш». *Уй ўсимликлари ўзидан фитонцидлар чиқариб, микроорганизмларни ўлдиради.* Газетадан.

МИКРОРАЙОН [микро.. + район] *эск.* Шаҳарнинг ўзига мустақил кичик ҳудуди. *..шаҳримизда янгидан-янги тураржой массивлари, микрорайонлар вужудга келди.* Газетадан.

МИКРОСКОП [микро.. + *юн.* skopeo – қарайман] Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсаларни текшириш учун қўлланадиган, катта қилиб кўрсатадиган оптик асбоб; заррабин. *Атомлар шу қадар майда заррачаларки, уларни ҳатто микроскоп орқали ҳам кўриш қийин.* «Фан ва турмуш».

МИКРОСКОПИК 1 Микроскоп билан қилинадиган, микроскопда бўладиган. *Микроскопик анализ. Микроскопик текширишлар.*

2 Жуда майда, фақат микроскоп билан кўриш мумкин бўлган. *Микроскопик жониворлар. Микроскопик сувўтлар.*

МИКРОФИЛЬМ [микро..+ фильм] Нодир ҳужжат, қўлёзма, китоб, расм, чизма ва ш.к. нинг бир неча ўн ва юз марта кичрайтириб кинолентага олинган ихчам нусхаси. *Китоб микрофильми.*

МИКРОФОН [микро..+ *юн.* phone – овоз, товуш] Товушни узоқ масофага узатиш ёки кучайтириш учун ишлатиладиган асбоб. *Бобо сўз бошлаган эди, микрофондан узоқ бўлгани учун, ҳеч кимга эшитилмади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

МИКРОХИРУРГИЯ [микро..+ хирургия] Оптик анжомлар ёки механизмлар орқали, нозик асбоблар билан кичик анатомик тузилмаларда амалга ошириладиган операциялар ва уларни ўрганадиган соҳа (Ҳозирда мия, юрак, буйрак, кўз, оёқ-қўл жарроҳлигида кенг қўлланмоқда).

МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР [микро.. + элемент] Ўсимлик ва ҳайвон организмида жуда кам миқдорда (юздан, мингдан ва ҳатто ундан ҳам кам улушда) бўладиган кимёвий элементлар. *..таркибида марганец, молибден, мис, бор, рух каби микроэлементлар бўлган минерал ўғитларни ишлаб чиқаришга аҳамият бермоқдалар.* Газетадан.

МИКРОЎҒИТЛАР *қ.х.* Таркибида ўсимликлар учун зарур микроэлементлар бўлган ўғитлар.

МИКСЕР [*ингл.* mixer – аралаштиргич < *лот.* mixtus – аралаш, аралашган] Турли суюқ ва қуюқ нарсаларни бир-бирига аралаштириш (крем, бирор ичимлик тайёрлашда), тухум оқи ёки қаймоқни кўпиртириш учун қўлланадиган, дастаки ёки электр асбоб.

МИКСТУРА [*лот.* mixtura – бирикма, қоришма, аралашма] Бир неча хил модда аралашмасидан тайёрланган суюқ дори.

МИЛ I [*а.* ميل – сурмачўп; пардоз қалами; учи ингичка, ўткир асбоб] **1** Милтиқ, тўппонча каби отиш қуролларининг ўқ отилиб чиқадиган найсимон қисми. *Меҳмонхонанинг қатор уч эшиги милтиқ мили сиғарлик ўлчакда бир неча жойдан тешилди.* С. Айний, Қуллар.

2 Баъзи асбоб ёки нарсаларнинг найсимон қисми. *Солиҳбой.. атрофга олазарак назар ташлаб, чилим милининг учини ушлаб чекади, ўзи эса Жамиладан кўзини узмайди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

МИЛ II [*а.* ميل] Турли ўлчов ва назорат асбобларининг ўз ўқи атрофида айланиб, ўлчанаётган нарса миқдорини кўрсатувчи бош қисми, ясси ва учли қисми. *Соат мили. Компас мили.* ▬ *Рўпарадаги юмалоқ тарози циферблати устидаги мили ҳаракатга келди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *..дарвозанинг пештоқидаги электр соатнинг миллари ноль-нолни кўрсатиб турарди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

МИЛ III *қ.* **миля.** *Тоғлар, океанлар, миллар ошди у.* А. Мухтор.

МИЛ IV [*а.* ميل] Учи ингичка, кескир темир асбоб (тарихда: қиздириб, киши кўзини кўр қилиш учун ишлатилган). *Бобур дарвозадан кирсин, кейин туттириб, кўзига мил торттирмоқ керак.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МИЛ V [*а.* ميل] Ўсма, сурма қўйиш учун ишлатиладиган асбоб, сурмачўп. *Қошингнинг қоралиги милданмиди, Белингнинг нозиклиги қилданмиди?* М. Алавия, Халқ қўшиқлари.

МИЛДИРАМОҚ Милдир-милдир қилмоқ, жилдирамоқ. *Майда тошлар устидан милдираб оққан илиқ сув билан челак тўлдиргандан кейин.. дам олгани катта тошга ўтиришди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

МИЛДИР-МИЛДИР *тақл с.* Сувнинг бирор жойдан аста чиқиши, секин-секин товланиб оқиш ҳолатини билдиради. *Шавкат булоқ бошида силлиқ бир тош устига ўтириб, тош орасидан милдир-милдир қилиб чиқаётган сувга тикилди.* «Фан ва турмуш».

МИЛИТАРИЗАЦИЯ [*лот.* militaris – ҳарбий] Мамлакатнинг бутун иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётини милитаризм мақсадларига бўйсундириш; ҳарбий ташкилот методларини кундалик ишларга татбиқ қилиш. *Милитаризация сиёсати.*

МИЛИТАРИЗМ [*фр.* militarisme < *лот.* militaris – ҳарбий] Муайян мамлакатнинг ҳукмрон доиралари томонидан давлат ҳарбий қудратини янада кучайтириш мақсадида фойдаланиладиган сиёсий, иқтисодий ва ғоявий воситалар тизими (қуролланиш пойгаси, мамлакат ички ва ташқи сиёсатида ҳарбий-саноат мажмуаси таъсирининг кучайиши ҳозирги милитаризмнинг асосий белгиларидир). *Милитаризм фонусига мой қуйиб, пилигини ўт олдиришга интилиш авжига чиқмоқда.* Газетадан.

МИЛИТАРИСТ Милитаризм тарафдори, милитаризм сиёсатини юритувчи. *Бизни милитаристлар чўчита олмайди.* Газетадан.

МИЛИТАРИСТИК Милитаризмга оид. *Милитаристик сиёсат. Милитаристик ҳаракат.*

МИЛИЦИОНЕР [*лот.* militariter – ҳарбийчасига, аскарчасига] Милиция ходими. *Аҳмад Маҳмудовнинг уйига иккита қуролли милиционер билан жиноят қидирув маҳкамасининг ходими кириб келди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МИЛИЦИЯ [*лот.* militia – қўшин] **1** Жамоат тартибини, фуқаролар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий мулкни қўриқлаш каби вазифаларни бажарувчи маъмурий орган; шу органнинг маҳаллий бўлими, бошқармаси. *Милиция органларининг ходимлари.. меҳнаткашларнинг осойишталигини сақлашга ҳаракат қиладилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 *с. т.* Милиционер. [*Фотима:*] *Бориб, милиция олиб келинг. Мен ҳар иккала туҳматчини бу ерга қамаб қўйдим.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

МИЛИЦИЯХОНА *с. т.* Милиция бўлими, бошқармаси жойлашган бино. *Милиционер милтиғини олиб.. милицияхона дарвозасининг бериги бурчагида қоровул бўлиб турди.* С. Айний, Қуллар.

МИЛК I [*ф.* ملک – тирноқ остидаги оқ қисм] Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг тишлар бўйнига жипс ёпишган юмшоқ тўқимадан иборат қисми. *Помидор шарбати милк, томир.. терини мустаҳкам қилади.* Газетадан.

Кўз милки Кўз қовоқларининг киприк ўсиб чиққан ери. *Низомиддин юзини тескари ўгириб, дастрўмол олиб, кўз милкларини артди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Тирноқ милки** Бармоқнинг тирноқ ўсиб чиққан ери.

МИЛК II [*ф.* ملک] Матонинг икки ёнидан узунасига чиқарилган қирғоқ. *Милкини кўр — бўзини ол, онасини кўр — қизини ол.* Мақол.

МИЛКАК [*ф.* ملکک — кичкина милк] *қ.* **хасмол.** *Қўлимга милкак чиқди.*

МИЛЛАТ [*а.* ملّت — халқ; дин, мазҳаб] **1** Кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги. *Ўзбек миллати. Рус миллати.* ▬ *Ёшлар, кексалар.. қизлар, жувонлар орасида турли миллат вакиллари: қозоқ, қирғиз, арман ва яҳудийлар ҳам кўринар.. эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Давлат, мамлакат. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.*

МИЛЛАТДОШ *кам қўлл.* Бир миллатга мансуб бўлган, миллати бир. *Сиз билан бизнинг миллатдошимиз.. Содиқжон бойваччанинг бу хусусда фикрлари қанақа, айтолмайсизми?* К. Яшин, Ҳамза.

МИЛЛАТЧИ Миллатчилик тарафдори, миллатчилик йўлидан борувчи. *Буржуа миллатчилари.* ▬ *Тўқсонов ўз ўтмишини ва ижтимоий чиқишини яшириб, совет аппаратига кириб олган миллатчилардан экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МИЛЛАТЧИЛИК Миллат айириш, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаб, бошқаларининг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, уларни ерга уришдан иборат бўлган нодемократик мафкура. *Миллатчиликка қарши кураш. Буржуа миллатчилиги. Миллатчилик сиёсати.* ▬ *Ўзбекистон фани ва маданиятининг кўплаб арбоблари миллатчиликда айбланиб, қамоққа олинди.* Газетадан.

МИЛЛИАРД [*фр.* milliard — мингта миллион < *лот.* mille — минг] **1** *снқ. сон* 1 000 000 000 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Икки миллиард сўм. Миллиардни миллионга бўлмоқ.*

2 Сон-саноқсиз, жуда кўп. *Миллиард юлдуз билан боқади осмон.* Ж. Жабборов.

МИЛЛИАРДЕР [*фр.* milliardaire — миллиард(лар) эгаси] Миллиардлар билан ҳисобланадиган бойликка эга бўлган киши. *Америка миллиардерлари.*

МИЛЛИГРАММ [*лот.* mille — минг + грамм] Граммнинг мингдан бир бўлагига тенг оғирлик ўлчови.

МИЛЛИЙ [*а.* ملّی — халқона, миллатга тегишли; диний] **1** Бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос бўлган, унинг хусусиятларини ифодаловчи. *Миллий маданият. Миллий мусиқа. Миллий кийим. Миллий меъморчилик.* ▬ *Боғдаги махсус павильонларда миллий таомлар тайёрлаб сотилмоқда.* Газетадан.

2 Бирор мамлакатга, давлат ва унинг аҳолисига оид. *Республикамизнинг миллий байроғи. Миллий даромад.* ▬ *Ўрта Осиёда илк бор республикамизда 1976 йил сентябрида Зомин миллий парки таъсис этилди.* «Фан ва турмуш».

3 Миллат билан боғлиқ, миллатига кўра бўлган. *Мен ирқий ва миллий айирма ва камситишлар одамларни энг заиф жониворлардан ҳам кучсиз ва муте қилиб ташлаган ўлкаларни кўрганман.* Зулфия, Чўққилар.

МИЛЛИЙЛАШТИРМОҚ *айн.* **ерлилаштирмоқ.**

МИЛЛИЙЛИК Тарихан ташкил топган барқарор ижтимоий-этник бирликларни, яъни миллатлар ва элатларни бошқа барқарор ижтимоий бирликлардан, мас., ижтимоий синфлардан фарқловчи томонлар, хусусиятлар, маънавий, руҳий ва маданий қирралар ҳамда тафовутлар мажмуи.

МИЛЛИМЕТР [*лот.* mille — минг + метр] Метрнинг мингдан бирига тенг узунлик ўлчови.

МИЛЛИОН [*фр.* million - мингта минг < *лот.* mille — минг] **1** *снқ. сон* 1 000 000 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Беш миллион тонна пахта. Миллион сўм пул.*

2 Сон-саноқсиз, жуда кўп. *У миллионлар сафида туриб, фашист газандаларига қарши беомон курашди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

МИЛЛИОНЕР [*фр.* millionnaire — миллион(лар) эгаси] **1** Миллионлар билан ҳисобланадиган бойликка эга бўлган шахс. *Миллионер бойлар.*

2 *тар.* Бойлиги, даромади миллионлаб ҳисобланадиган. *Миллионер жамоа.*

МИЛЛИОНЛАБ Миллион ҳисобида, миллион билан ҳисобланадиган миқдорда. *Миллионлаб кишилар.*

МИЛЛИЯТ [*а.* ملّیت] *эск. кт. айн.* **миллат, миллийлик.**

МИЛОД [*а.* میلاد — туғилиш] **1** *дин.* Исо пайғамбарнинг туғилган куни. *Милоддан бу-*

рун. Милоддан кейин. ■ *Асалари оиласини биринчи бўлиб милоддан илгари яшаган юнон файласуфи Арасту текширган.* «Фан ва турмуш».

2 Милодий йил ҳисоби. *Милоднинг бешинчи асри.* ■ *У [танга] Ўзганда ҳижрий 397 йилда, милоднинг 1006-1007 йилларида зарб этилган.* «Фан ва турмуш».

МИЛОДИЙ Милоддан бошланган (йил ҳисоби ҳақида). *Милодий йил ҳисоби. Ҳижрийни милодийга айлантирмоқ.* ■ *Милодий 1494 йилнинг ёзи.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МИЛТ *тасв. с.* Кучсиз, қисқа нур чиқишини, кўринишини билдиради.

Милт этмоқ Қисқа, кучсиз нур чиқармоқ, шу ҳолатда кўринмоқ. *Чўғ учқуни милт этди. Юлдузлар милт-милт кўринмоқда.*

МИЛТИЛЛАМОҚ *айн.* **милтирамоқ.**

МИЛТИРАМОҚ 1 Милт-милт ёниб ёки кучсиз ёруғ бериб турмоқ. [*Элмурод*] *Кооператив чироғи милтираб турган ердан узоқлашиб, қишлоқ четига чиқиб қолганини пайқагач, орқага қайтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унда-мунда юлдузлар хира милтирар, совуқ аччиққина.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Кўзга аранг ташланмоқ, зўрға кўринмоқ. *Қоражонбек шундай бўйлаб қаради, Милтираган бир қорани кўради.* «Алпомиш».

МИЛТИҚ Ўқ отадиган, қўндоғи ва узун стволи бўлган қўл қуроли. *Ов милтиғи. Қўшоғиз милтиқ. Бешотар милтиқ.* ■ *Додхоҳ дағаллик қилган эди, оломондан биттаси милтиқ отиб, икки сипоҳни йиқиб ҳам қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У орқага қарамоқчи бўлувди, бошига милтиқ қўндоғи тегди.* Газетадан.

МИЛТИҚБОЗЛИК Милтиқ билан отишиш, отишув. *Милтиқбозликлар ҳам бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

МИЛТИҚСОЗ Милтиқ ясовчи уста.

МИЛТИҚСОЗЛИК Милтиқ ишлаб чиқариш, милтиқ ясаш.

МИЛЯ [*лот.* milia < mille passuum — мингта қўш қадам] Қадимдан қўллаб келинган, турли давлатларда ҳар хил қийматларга эга бўлган узунлик ўлчови бирлиги (Мас., денгиз миляси 1852 м, география миляси 7420 м га тенг).

МИМ [*а.* میم] Арабча م — «м» ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

МИМИКА [*юн.* mimikos — тақлидий] **1** Юз мускулларининг ҳис-туйғу, ички кайфиятни ифодаловчи ҳаракатлари. *Артистканинг ҳар бир ҳаракати, мимикаси, кўз қарашида унинг фарзанд меҳрига лиммо-лим қалбини ҳис этиш қийин эмас.* Э. Охунова, Санъат бўстонида 40 йил.

2 Ҳис-туйғу ва кайфиятларни юз мускуллари ҳаракати билан ифода этиш санъати. *Истеъдодли раққоса.. ўзининг ажойиб мимикаси билан томошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлди.* Ю. Ҳамдам.

МИМИКРИЯ [*ингл.* mimicry — тақлидийлик] *биол.* Баъзи ҳайвон ва ўсимликларнинг ўз атрофидаги табиий шароит рангига ёки бошқа ҳайвонлар, ўсимликлар тусига мослашуви. *Мимикрия — ҳайвон ва ўсимликларнинг табиий ҳимоя воситасидир.* «Фан ва турмуш».

МИМИТ *бол.* Кичкинагина, жимит; митти. *Мимит қошиқ.* ■ *Эзгу ҳиссиёт билан қизчанинг мимит қўлини ушламоқчи бўлган эди, Дилбар силтаб юборди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

МИМОЗА [*юн.* mimos — ўз кўринишини, қиёфасини ўзгартирувчи] Жануб томонларда ўсадиган ўт, бута ёки дарахт (баъзи турлари, қўл тегизилса, баргини осилтириб олади).

МИН *шв.* Нуқсон, айб. [*Ойдона:*] *Опа, ёрим бўлса ўша кишидек, Асло мини йўқ топган ёримнинг.* «Хушкелди».

МИНА [*фр.* mine] **1** Ер, сув остига қўйиладиган портловчи снаряд. *Танкка қарши мина. Сув ости минаси. Мина қўймоқ.* ■ *..йўл йўғон дарахтлар билан тўсилиб, атрофларга мина кўмилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Миномётдан отиладиган снаряд. *Бошимиз устидан миналар чинқириб ўтиб ёрилади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

3 *айн.* **торпеда.**

МИНАЛАШТИРМОҚ Мина қўйиб чиқмоқ, мина қўйиб ташламоқ. *Душман ўз мудофаа марраларининг олдинги томонларини миналаштирган бўлиши мумкин эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

МИНАН *с.т.* Билан. *Мен минан жуда қадрдон-да, тақсир!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қароллар овқат қилиб бўлиши минан, бек қозон тагида қолган бўтқага уч-тўрт челак сув қуйдирарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бова, Эрмат полвон минан мени олиштиринг, у қалин ошнамни йиқитди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

МИНБАР [*а.* منبر – баланд жой, ўриндиқ] **1** *дин.* Масжидда имом ваъз айтадиган баланд жой. *Ҳазрат минбардан тушиб, бетига фотиҳа тортганидан кейин, масжид муаззини билан дарвозанинг ёнига бориб турди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Маъруза қилинадиган, ахборот бериладиган баланд курси; трибуна. *Минбарга чиқмоқ. Минбарда туриб гапирмоқ.* ▬ *Умрида минбарга чиқмаган Мирвали банги ҳам, ўзича айтганда, меҳробга сўзга чиқиб, сўзининг охирида ҳаммани кулдиради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ҳали институтнинг минбарларидан Ўнларча олимдан тинглайсан хитоб.* Ғ. Ғулом. *Доска ёнида устига қизил сурп ёпилган ёзув столи, унинг чап тарафида минбар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Адабий минбар Газета, журнал ва ш. к. ҳақида.

МИНБАЪД [*а.* من بعد – бундан кейин] *эск. кт.* **1** Бундан кейин. *Бир кун оқсоч хотин «Раҳимжон ака» дегани учун домладан бир тарсаки еди. Домла: «Минбаъд, бегим, дегин» – деди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Дўст топмоқ ҳар замон мушкул эди, минбаъд ҳам шундоқ қолур.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ҳеч, сира, асло. *Мен энди қилмайман, минбаъд қилмайман.* А. Мухтор, Туғилиш.

МИНГ *снқ. сон* **1** 1000 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Мингни мингга қўшмоқ. Минг сўм пул. Минг киши.*

2 Кўп, кўпдан-кўп, жуда. *Мингдан-минг рози бўлмоқ. Минг яшамоқ.* ▬ *Фотима амакисининг авзойини кўриб, келганига минг пушаймон қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ҳар қанча. *Сен минг чиройли бўлма – етимсан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Минг дод денглар, минг фарёд денглар, беҳуда!* Ойбек, Танланган асарлар. *Сизнинг ўрнингизда бўлак одам бўлганда, минг ёмон кўрса ҳам.. бир бориб, ўша бечорани юпатиб келар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Минг қилса (ҳам) Нима бўлганда ҳам, ҳар нима бўлса-да. *Қандай бўлар эди. Фарзандда, минг қилса.* Ҳамза, Танланган асарлар.

МИНГАШМОҚ 1 От, велосипед кабиларга минган кишининг орқасига минмоқ. *Давлатёр, Элмуродни эгарга миндириб, ўзи мингашган ҳолда жўнамоқчи бўлиб туришган эди, туёқ товушлари эшитилиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бири иккинчисининг устига чиқиб олмоқ, шундай ҳолда айқашиб кетмоқ. *Улар Олатоғ бағридаги уйлари бир-бирига мингашгандек кичкина қишлоқда яшардилар.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Бирбирининг устига мингашиб-қалашиб ётарди қоятошлар.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

МИНГБОШ Пилла қурти пилла ўраш даврида даста қилиб қўйиш учун ишлатиладиган бир турли ўт-ўсимлик. *Майдоннинг қоқ ўртасида чайла – ойимсупурги, мингбош, какра ва буғдой пояси билан ёпилган.* А. Дилмуродов, Осмоннинг бир парчаси. *Вакил йигит махсус жойга тўплаб қўйилган барглар устига ҳўл дастурхон ёпилганини, даста учун мингбош тайёрлаб қўйилганини кўриб хурсанд бўлди.* М. Қўшоқов, Катта хирмон жилғаси.

МИНГБОШИ I *тар.* **1** Даҳа ёки қишлоқ оқсоқоли, ҳокими. *Бир гувоҳнома олиш учун Кўкча даҳамизнинг мингбошиси Нормуҳаммаднинг маҳкамасига югурдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [*Тешабойнинг*] *Катта хотини.. Ўктамхон, кичиги эса Қорабулоқ мингбошиси Мадумар додхоҳнинг кичик қизи Тўрахон эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *тар.* Қўшин бошлиғи. *Қушбеги ва Юсуфбек ҳожиларнинг таклифи билан Мусулмонқул ўрнига Ўтаббой қушбеги* [*Марғилон ҳокими*] *мингбоши белгиланиб, тўртинчи кун Худоёрхон, қўшини билан Қўқонга қайтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МИНГБОШИ II *қ.* **мингбош**.

МИНГБОШИЛИК Мингбоши мансаби, лавозими. *Мингбоши кўнгли бузилиб, маҳкамасидан чиқди. Мингбошиликдан бекор қилсалар, унча қайғурмас эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

МИНГДЕВОНА Ҳиди одамни гангитадиган бир хил заҳарли ўт (тиббиётда ишлатилади).

МИНГЛИК 1 *мат.* Катта сонларнинг минглар хонаси.

2 Пул, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг минг сўмлиги.

МИНГОЁҚ Бўғимоёқлиларга мансуб, танаси бўйлаб икки қатор кўплаб оёқлари бўлган ҳашарот. *Биз мингоёқ, калтакесак.. ва турли қўнғизлардан коллекция туздик.* «Ўзбек тили» дарслиги.

МИНДИ-МИНДИ 1 Болаларнинг бирбирини миниб ўйнайдиган ўйини. *Кураш.. қушим боши, минди-минди, ўғриларимиз бор.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма* Тумонат одам йиғилган, тиқилинч, тирбанд ҳолат ҳақида. *..фильм кўрсатилаётган эди, одам демаганингиз минди-минди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

МИНЕРАЛ I [*фр.* mineral < *лот.* minera – руда, қазилма кон] Ер қобиғи таркибида учрайдиган табиий кимёвий бирикма ёки элемент. *Бу минераллар эса Помирда, Зарафшон тоғларида, Чотқол-Қурама тизмаларида топилиши мумкин.* С. Кароматов, Олтин қум.

МИНЕРАЛ II Табиий кимёвий бирикма ёки элементларга оид, шундай элемент ёки бирикмалардан иборат бўлган, таркибида шундай элемент ёки бирикмалар бор. *Минерал тузлар. Минерал ўғит. Минерал сув.* ■ *Бобур.. минерал хомашёлар борасида ҳам фикр билдирган.* «Фан ва турмуш».

МИНЕРАЛИЗАЦИЯ *қ.* **минералланиш.**

МИНЕРАЛЛАНИШ 1 Органик моддаларнинг минералга айланиши, минерал бирикмалар ҳосил қилиши. *Ўсимликларнинг минералланиши.*

2 Минерал тузларга тўйиниш, тўйинганлик. *Келажакда Амударёнинг қуйи қисмида сувнинг минералланиш даражаси уч баравар ортади.* «Фан ва турмуш».

МИНЕРАЛОГ Минералогия олими, мутахассиси.

МИНЕРАЛОГИК Минералогияга оид. *Минералогик тадқиқотлар.*

МИНЕРАЛОГИЯ [минерал + *юн.* logos – фан, таълимот] Минераллар, уларнинг таркиби, тузилиши, хоссалари, ер қобиғида минерал моддаларнинг пайдо бўлиш жараёнларини, шунингдек, улардан халқ хўжалигида фойдаланишни ўрганувчи фан.

МИНИАТЮР Миниатюра тарзидаги; жуда кичик ва нафис. *Қизча онасига шу қадар ўхшардики, уни кўрган киши онасининг миниатюр сурати деб ўйларди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

МИНИАТЮРА [*итал.* miniature – нафис, нозик қилиб ишланган расм < *лот.* minium – қизил ёки қизғиш-жигарранг бўёқ] *снт.* **1** Ўрта аср қўлёзма асарлари ва китобларда бўёқлар билан чизилган нафис расм, сурат, безакли бош ҳарф ёки лавҳа. *Навоий лирикаси ва «Хамса» сига Беҳзод ишлаган миниатюралар ўрта аср тасвирий санъатининг қимматбаҳо дурдоналаридандир.* Ф. Ҳусаинова, Қўқон адабиёт музейида.

2 Нозик ва чиройли қилиб ишланган кичкина расм, сурат; шундай сурат ва расмлар солиш санъати. *Миниатюра намунаси. Шарқ миниатюраси.* ■ XVI *аср Бухоро миниатюра санъатида ҳам юқоридаги анъана давом этади.* «Фан ва турмуш».

3 Кичик адабий ёки саҳнавий-мусиқий асар. *«Таъзим» тўпламига киритилган «Гул ҳақида ҳикоялар», «Жажжи ҳикоялар» туркумлари яхши миниатюралардир.* Газетадан.

МИНИМАЛ [*лот.* minimus – энг кичик] Энг оз, энг кам, энг кичик; *зид.* **максимал**. *Минимал қиймат. Минимал тафовут.* ■ *Таҳлил шуни кўрсатадики, терим мавсуми.. мустаҳкам хўжаликларда жуда қисқариб, минимал даражага етган.* А. Мухтор, Бу – қаҳрамонлик. *Агар тилда фонемалар оппозициясини намоён этувчи минимал жуфтликдаги сўзлар топилмаса, у фонемаларни фонологик системадан ўчириш мумкин.* «ЎТА».

МИНИМУМ [*лот.* minimum – энг кам, энг кичик миқдор; кам деганда] **1** Энг оз, энг кичик миқдор; *зид.* **максимум.** *Ишлаб чиқаришни минимумдан максимумга кўтаришда командирлик қилишимиз лозим.* С. Аҳмад, Менинг дўстим Баббаев.

2 Бирор соҳа учун лозим бўлган энг зарурий билим ёки тадбирлар йиғиндиси. *Техника минимуми. Номзодлик минимуми.*

3 *айн.* **минимал**. *Минимум программа. Минимум юз килограммдан пахта териш.*

МИНИСТР [*фр.* ministre < *лот.* minister – хизматчи, ходим, ёрдамчи] *тар. айн.* **вазир.** *Мудофаа министри. Маориф министри. Молия министри.* ■ *Қайси ўрмонларни кезмоқчисиз, бамаслаҳат маршрут тузармиз, деб меҳмондўстлик қилди министр Мамадалига.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МИНИСТРЛИК [*фр.* ministere < *лот.* ministerium – хизмат, амал, лавозим] **1** *тар. айн.* **вазирлик.** *Қишлоқ хўжалик министрлиги. Савдо министрлиги. Маданият министрлиги.* ■ *Бугун министрликда бўлдим. Тақсимот масаласида гаплашдим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Буржуа парламентаризмида министрлар ҳайъати.

3 *тар. айн.* **вазирлик 3.**

МИНМОҚ 1 Бирор нарсанинг устига (одатда от-уловга) оёқларни икки ёққа солинтириб ўтириб олмоқ. *Туяга минмоқ. Мотоциклга минмоқ. От кимники — минганники.* Мақол. ▬ *Ёрмат араванинг ҳар қисмига разм солиб, кейин чаққонлик билан отга минди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўтабой азим туп ёнғоққа тирмашиб, боғ деворига минди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *шв.* Транспорт воситаларига чиқмоқ, ўтирмоқ. *Аравага минмоқ. Трамвайга минмоқ. Машинага минмоқ.* ▬ *У ердан одатда кемага минилар, Чоржўйда ўтаравага ўтириш керак эди.* С. Сиёев, Аваз. *Бобоқул ота Қайнардан қайтишда Тўламат мўйловнинг пичан ортилган автокачкасига минишга мажбур бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *шв.* Транспорт воситаларининг бирор турини бошқармоқ, ҳайдамоқ. *Машина минмоқ. Арава минмоқ.* ▬ *Жонфиғон бундан бешолти йил бурун қайси бир идоранинг извошини минар экан, киракашлик қилиб, қўлга тушгандан кейин ҳайдашибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. *Арслон чиройли костюмларини гардеробга илиб, комбинезон кийиб, универсал минди.* Мирмуҳсин, Яширинган куч.

4 *кўма.* Ўтирмоқ, инмоқ. *Булбул кетиб, боғда навоси тинди, Юлдуз елкасига гўё тоғ минди.* Б. Бойқобилов, Садоқат.

5 Амал, мансаб мазмунли сўзлар билан қўлланиб, шу сўз билдирган вазифа, лавозим, мансабни эгалламоқ маъносини билдиради. *Нодон Анвар ўрдадан қувланиш ерида сармуншийлик маснадига минмоқчи!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Амалга янги минган ҳовлиқма одамдек бурнини кўтарган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аъзам Мираҳмедов бош врачлик лавозимига минди-ю, хўмрайиб кириб, чимирилиб чиқадиган бўлди-қолди.* «Муштум».

6 Авж, ғазаб каби айрим сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар билдирган ҳолатнинг юз бериши маъносини билдиради. *Беўхшов чўлнинг дайди шамоли авжга минган.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. -*Тўхтат деяпман сенга! — лаблари пирпираб, жаҳлга миниб бақирди раис.* «Муштум». *Совуқ чунон қаҳрига минганки.. тишимиз тишимизга тегмай қалтираймиз.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.

Елкасига (*ёки* **бўйнига**) **минмоқ** Ихтиёрини («тизгинини») ўз қўлига олиб, истаган ҳукмини ўтказмоқ, ўз йўлига юритадиган бўлмоқ. *Салимбойваччанинг елкасига миниш учун Гулнор қурбон бўлиши керак.* Ойбек, Танланган асарлар. *Келиним ўлгурнинг бурнини бир ерга ишқаб бермасангиз, болагинамнинг бўйнига миниб олди.* С. Аҳмад, Сайланма. **Ерни миниб олмоқ** Ерни ўз ҳукмига бўйсундирмоқ; ундан хоҳлаганча фойдаланмоқ. *Тангриқул ҳожи катта ҳамёнини — узанги, чоракор батракларни — жилов қилиб, ерни маълум даражада миниб олган эди. Ғулом ака ерни минолмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МИННАТ [*а.* منّت — ҳиммат, мурувват, хайр-саховат; ташаккур, раҳмат айтиш] **1** Қилинган хизмат, яхшилик учун бўлган қарздорлик. [*Юсуфбек ҳожи:*] *Агар бу хизматни ўз зиммангизга олур экансиз, устимга катта миннат қўйган бўласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қилинган яхшиликни юзга солиш ёки бошқаларга гапириб юриш. *Текиннинг миннати кўп, меҳнатнинг зийнати кўп.* Мақол. ▬ *Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради.* Газетадан. *Бу зиёфатнинг ҳали миннати чиқиб қолмаса, деб турибман.* К. Яшин, Ҳамза.

Миннат қилмоқ Яхшиликни юзга солмоқ. *Меҳнат қилдим — хўп қилдим, миннат қилдим — йўқ қилдим.* Мақол. ▬ *Хасис бир бор меҳнат қилса, юз бор миннат қилар.* Газетадан.

МИННАТДОР Бировнинг қилган яхшилигидан, хизматидан мамнун ва қарздор. [*Мулла Обид:*] *Буғдойни тайёр унга алмаштирдингиз, миннатдорман.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Устозим менда машинага меҳр уйғотди. Ундан миннатдорман.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

МИННАТДОРЛИК 1 Миннатдор эканлик. *Элмурод уларнинг ўқишдан миннатдорликларини кўриб хурсанд бўларди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Миннатдор, мамнун ҳолат, шундай ҳис-туйғуга эгалик. *Миннатдорлик изҳор қилмоқ.* ▬ *Ачахоннинг тинч, осуда кўзларидан миннатдорлик баралла порлаб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. -*Шунисига ҳам раҳмат, ўғлим, кам бўлманг асло! — миннатдорлик билдирди чол.* «Гулдаста».

МИННАТДОРЧИЛИК *айн.* **миннатдорлик 2.** *[Нормуҳаммад қушбеги] Золим душманни қўлга туширишнинг бош омили бўлган Юсуфбек ҳожига ўз миннатдорчилигини айтиб тугата олмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МИННАТЛИ Миннатга сабаб бўлган ёки бўладиган. *Миннатли ошдан миннатсиз ёвғон яхши.* Мақол.

МИННАТСИЗ Миннати йўқ, миннатга сабаб бўлмайдиган; беминнат. *Бу оила аъзолари бир умр шодлик кўрмади, ҳатто миннатсиз нон ейиш нималигини билмади.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

МИННАТЧИ Миннат қилувчи, яхшилигини пеш қилувчи. *Бу эса қаҳрамоннинг табиатига хос ижобий сифатларга соя ташлайди, уни ўз ҳимматини пеш қилувчи, миннатчи, тамагир шахсга айлантириб қўяди.* Газетадан.

МИНОМЁТ [*р.* мина + метать – «ирғитмоқ, отмоқ, улоқтирмоқ» фл. дан] Мина отадиган қурол. *Атакани олти оғизли миномётлар ва артдивизион (артиллерия бўлинмаси) бошлаб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МИНОМЁТЧИ Миномётдан ўқ отувчи ҳарбий хизматчи, аскар. *Миномётчилар ротаси.* ▬ *..миномётчилар ва пулемётчиларнинг позицияларини белгилаб бергач, кўприкка келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МИНОНОСЕЦ [*р.* мина + носить – «олиб, кўтариб бормоқ» фл. дан] Торпеда билан қуролланган ҳарбий кема.

МИНОР(А) [*а.* منار – ёруғлик манбаи бўлган жой; маёқ; минора] Бирор бинога қўшиб ёки алоҳида қурилган, мезана шаклидаги баланд иншоот. *Масжид минораси. Бухоро миноралари. Минора қуббаси.* ▬ *Амирнинг дори бор, минори бор, ноғорахонаси бор.* С. Айний, Дохунда. *Мовий осмон билан ўпишган миноралар, ҳаворанг гумбазлар.. савлат тўкиб туради бу ерда.* Н. Улуғжонов, Самарқанд сайқали.

МИНТАҚА [*а.* منطقه – камар, белбоғ; иқлимий ҳудуд; соҳа, доира] **1** *геогр.* Ер юзининг икки қўшни параллел оралиғидаги, бир-биридан иқлими билан фарқ қиладиган ҳар бир бўлаги. *Иссиқ минтақа. Совуқ минтақа. Ўртача минтақа.*

2 Ер юзининг бирор хусусияти билан ажралиб турадиган бўлаги, зонаси. *Халқаро хотин-қизлар куни 8-Мартни.. барча қитъа ва минтақалардаги тараққийпарвар инсоният байрам қилмоқда.* Газетадан.

МИНТАҚАВИЙ Минтақага оид, тегишли.

МИНУС [*лот.* minus – кичик, оз, озроқ] **1** *мат.* Айириш амалини ёки манфий миқдорни билдирувчи (–) белги.

2 *мат.* Айирув, олув. *Беш минус тўрт – баравар бирга.*

3 *мат.* Миқдорнинг манфийлигини, ҳароратнинг нолдан пастлигини билдирувчи сўз ёки белги. *Бугун ҳарорат минус йигирма.*

4 Ўқувчига қўйилган баҳонинг тўлиқ эмаслигини, унинг билими шу баҳога етарли эмаслигини билдирувчи сўз ёки белги. *Минус уч баҳо қўймоқ.*

МИНУТ [*лот.* minutus – майда, кичик; арзимас, унча эмас] **1** *қ.* **дақиқа.** *Соат тўққиздан ўн беш минут ўтганда, дарё тепасида қоп-қора булутдек самолётлар пайдо бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Йўлчи ерга қараб, бир минут сукут қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *мат.* Градуснинг олтмишдан бир улушига тенг ясси бурчак ўлчови бирлиги (ёзувда рақамнинг ўнг томонига, устига қўйилади, мас., 80°30' – 80 даража, 30 минут).

МИНУТЛИ *айн.* **дақиқали.** *Ўн минутли иш. Беш минутли танаффус.*

МИНҒАЙМАС Дардини, юрагидагини ёрилиб гапирмайдиган; индамас. *Моҳира ойим қизининг бирорта ишдан норозилигини пайқаб: -Минғаймас, писмиқ ўлгур, тағин нима жин урди сени? – деб сўраганида, Зайнаб қовоқ-дудоғини солиб, бир оғиз ҳам жавоб бермас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сен бўлсанг, сени букчайтириб, минғаймас қилиб қўйган дардни ҳам айтгинг келмайди.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

МИНҒАЙМОҚ Қовоқ-димоғини солмоқ, лаб-лунжини осилтирмоқ; араз қилмоқ. *Ғуломжоннинг.. бир неча минутгина аввал томирларида қайнаган йигитлик қонининг тинишии учун Наргиснинг.. чеккада минғайиб кўриниши кифоя қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МИНҒИЛЛАМОҚ *қ.* **минғирламоқ.** *Низомжон унинг юзига қарамай манғиллади: -Кечир, Дилдор, бехосдан шундай бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бола йиғласа, қайнана минғиллайди, самоварнинг ўти тутаса, қайнота дўнғиллайди.* С. Аҳмад, Сайланма.

МИНҒИРЛАМОҚ 1 Димоғда секин ва ноаниқ гапирмоқ; пинғилламоқ. [*Бой*] *Йўлчининг саломига минғирлаб жавоб қайтарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Куни бўйи минғирлаб қўшиқ айтиб юраман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Норози оҳангда нолиб гапирмоқ; нолимоқ. *Кўп минғирлама.* ▬ *-Таъна қилавериб ҳам ўлдирдингиз, — деди Баратов минғирлаб.* С. Зуннунова, Янги директор.

МИНҒИР-МИНҒИР *тақл. с.* **1** Димоғда айтилган паст ва ноаниқ товуш ёки гапни билдиради. *Минғир-минғир ашула.* ▬ [*Тожибой:*] *Ўзиям хотинчалиш одам-да. Гапи оғзидан тушиб кетади. Минғир-минғир қилади. Гоҳо гапини одам ҳам тушуниб бўлмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Норозилик, нолиш ҳақида. *Минғир-минғирни йиғиштир. Минғир-минғири жонга тегди.*

МИОКАРД [*юн.* mios — мускул + kardia — юрак] *анат.* Юракнинг ўрта мускул қавати.

МИОКАРДИТ *тиб.* Юрак мускуллари — миокарднинг яллиғланиши.

МИОЛОГИЯ [*юн.* mios — мускул + logos — фан, таълимот] Мускуллар системасининг тузилиши ҳақидаги таълимот.

МИР [*а.* میر < «амир» с. нинг қисқарган шакли] **1** Ҳоким, ҳукмдор (пайғамбар авлодларининг унвони). *Мир Алишер.*

2 Баъзи эркаклар исмининг таркибига киради, мас. *Миртемир, Мирали, Мирғиёс.*

МИРЗА [*а.+ф.* میرزا < «амирзода» с. нинг қисқарган шакли] **1** *тар.* Ёзув-чизув ишларини олиб борган лавозимли киши; котиб. *Амлокдорнинг мирзаси белига суқилган қаламдонини очиб, қаламини қўлига олди.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Саводли, ўқимишли одам.

Мирза йигит Саводли, ўқимишли ёш кишиларга ҳурмат билан мурожаат этиш шакли.

3 *эск.* Юқори табақаларга мансуб киши; жаноб. *Мен чўриман, сиз мирзасиз, беквачча!* «Гўрўғли».

4 Мирза (эркаклар исми).

МИРЗАБОШИ *тар.* Ўзбек хонликларида (асосан Қўқон хонлигида) мирзахона бошлиғи. [*Сафар бўзчи:*] *Шаҳардаги бирорта мударрис домлани мирзабоши кўтарсалар, йўқ дерми?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МИРЗАЛИК Мирза иши, лавозими. *Мирзалик қилмоқ.* ▬ *Мирзалик учун хатсаводим унча ярамайди.* С. Айний, Қуллар.

МИРЗАТЕРАК Тераклинг тик ва текис, маданий ҳолда ўстириладиган бир тури. *Фақат мирзатеракнинг учи ботиб кетган қуёшнинг жуда баланддаги сўнгги нурлари билан қизариб турибди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кеч куз. Япроқларидан ажралган мирзатераклар қунушиб, дилдираб турибди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

МИРЗАХОНА [мирза + хона] *тар.* Амир ва хонларнинг мирзалар ёзув-чизув ишлари олиб борадиган идораси.

МИРЗО [*а.+ф.* میرزا — «амирзода» с. нинг қисқарган шакли] **1** Мирзода, амирзода, амир ўғли (Айни маънода ушбу сўз тегишли атоқли отдан кейин ёзилади мас.: *Улуғбек мирзо, Иброҳим мирзо*). *Аммо, бари бир ёш мирзолар катта бўлгач, ўз ота-боболари каби хунрез, золим бўладилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кт. айн.* **мирза 1,2.** (Айни маънода ушбу сўз тегишли атоқли отдан олдин ёзилади; мас., *Мирзо Анвар, Мирзо Бедил*). *Анвар.. нома ва аризаларнинг.. баъзиларини биринчи хонада олдига давот, қалам қўйиб, дафтар устида ўтирган мирзо, муфтиларга ҳавола қилар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МИРЗОЙИ [*а.+ф.* میرزایی — мирзаларга хос, оид; мирзалик вазифасини бажариш]: **мирзойи кавуш** *эск.* Баланд ингичка пошнали кавуш. **Мирзойи сабзи** Сабзининг ўртапишар цилиндрсимон, учи ингичка узун хили. **Мирзойи этик** *эск.* Баланд ингичка пошнали этик.

МИРИ [*а.* میری — амирга хос; давлатга, хазинага оид, тегишли] *тар.* Беш тийинли чақа, беш тийин. *Бир мири ҳаён, уч мири зиён.* Мақол. *Дунёники мири кам икки.* Мақол. ▬ *Домла уч мири пул ё битта қатлама келтириб қўйганга сира индамайдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Миридан-сиригача Муфассал равишда, майда-чуйдасигача, батафсил. *Зиёдиллага бу ҳунар ёқиб тушган, уни миридан-сиригача эгаллаб олиш учун бутун кучи, зеҳнини ишга солган эди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Миридан сирини айирмоқ** (*ёки* **ажратмоқ**) Муфассал равишда, майда-чуйдасигача текширмоқ.

МИРИЛИК Мири қийматига эга бўлган, мирига арзийдиган, миридан иборат. *Бир қулоғига уч мирилик танга қистириб олган самоварчи йигит қўш чойнаклаб чой ташийди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бир мирилик носни баҳо-*

на қилиб бозорга тушиб, бутун бир кунини беҳуда ўтказадиганлар кўп. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

МИРИШКОР [*а.+ф.* میرشکار – ов бошлиғи, овни бошқарувчи] **1** Ўз ишининг тажрибали, моҳир устаси; тажрибакор, омилкор. *Миришкор сувчи. Миришкор боғбон. Миришкор деҳқон.* ▬ *Султон бўзчи.. ўз ҳунарининг миришкори ҳисобланар.. эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 с. *т.* Саранжом-саришта. *Миришкор хотин.*

МИРИҚМОҚ Ниҳоят даражада қонмоқ, қониқмоқ, тўймоқ. *Чойга мириқмоқ. Ҳикояни мириқиб эшитмоқ. Мириқиб ухламоқ.* ▬ *Парвариши етган ғўзалар она сутига мириққан боладек гуркураб ўсарди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус. *Тоза ҳаводан мириқиб симирмоқ баҳонасида Расулжон тезроқ ҳовлига чиқа қолди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

МИРОБ [*а.+ф.* میرآب – суғориш ва сув таъминоти бўйича нозир] **1** Сув тақсимоти ва суғориш тармоқларини назорат қилувчи шахс. *Отанг мироб бўлгунча, даланг қулоқнинг бошида бўлсин, деганлар.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *с.т.* Суғориш ишларини бажарувчи шахс; сувчи. *Ана, миришкор мироб, суғорар ғўзасини..* Ю. Ҳамдам. *Эгатлар аралаб миробми, кимдир Якка оёқ йўлдан қайтади ёлғиз.* Ғайратий.

МИРОББОШИ *тар.* Миробларга бошчилик қилган мансабдор. *Тошганингда асло бўлмас ёнашиб, Ночор от чопишар мироббошилар.* Миртемир.

МИРОБЛИК Мироб иши, касби. *Тўхтабой ака эсини танибдики, шу ерларда мироблик қилади.* Б. Маҳмудов, Олтин юлдузлилар.

МИРОХУР, мирохўр [*а.+ф.* میرآخور – бош отбоқар; отхона бошлиғи] **1** *тар.* Ўрта Осиё хонликларида сарой отхоналарига бошчилик қилган мансабдор. *Мен мирохурдан ўн беш сўм олиб, мана шу остимдаги эшакни сизга бериб кетаман.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *эск. айн.* **отбоқар.**

МИРРИХ [*а.* مرّیخ – Марс сайёраси; қадимги мунажжимлар уни уруш ва хунрезликлар сабабчиси деб ҳисоблаганлар] (М – *катта*) *эск. кт. айн.* **Марс.**

МИРШАБ [*а.* میر – бошлиқ; ҳукмдор + *ф.* شب – кеча, тун: тунги қоровул бошлиғи] **1** *тар.* Ўрта Осиё хонликларида тунги шаҳар соқчиси ва уларнинг бошлиғи. -*Бизни кимнинг ҳукми билан ўлдирмоқчи бўлаётирсиз? – деди.. хатирчилик банди, миршаб одамига.* С. Айний, Қуллар. *Миршаблар томонидан қўрбоши маҳкамасига сўроққа олиб кетилган қутидор қайтиб йўлакка кириши билан.. Офтоб ойим ила Кумушга.. жон кирган каби бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *с. т.* Милиционер.

МИРШАБХОНА Миршаб маҳкамаси ва қамоқхонаси. *Икки миршаб Уста кулол билан Ҳамроқулни.. бутхонанинг нариги томонидаги миршабхонага томон олиб кетди.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

МИРҚУРУҚ *с. т. ҳазл.* Ёнида ҳеч пули бўлмайдиган киши ҳақида. *[Рўзипаранг:] Ўзингиз тушунган одам-у, доим мирқуруқсиз, қачонгача сизни кечириб юрамиз, хўжайин.* А. Муҳиддин, Кечирасиз.

МИРҒАЗАБ [*а.* میر – бошлиқ, ҳукмдор + غضب – қаҳр, нафрат; норозилик: жаллод] *тар.* Маҳбус ва бандиларни жазолайдиган, калтаклаб, тергов қиладиган зиндон назоратчиси. *Мирғазаблар кунда келиб, уларнинг [бандиларнинг] ҳар бирини ўлгудай уриб, сўроқ қилардилар.* С. Айний, Дохунда.

МИС [*ф.* مس – мис] Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; юмшоқ (қайишқоқ ва чўкичланувчан) қизғиш рангли металл. *Соф мис. Қизил мис. Сариқ мис. Мис қотишмалари.* ▬ *Мис, вольфрам, қўрғошин, рух, олтин ва бошқа рангли маъданлар етказиб бериш кўлами анча кенгайди.* «Фан ва турмуш». *Қамбар ихчам, ярқироқ мис чилимни олиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Миси чиқди Нопок, қалб иши фош бўлди, сири очилди. *Мазмунан, ишларнинг миси чиқиб, ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолган бўлсалар керак.. Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилади.* «Муштум».

МИСВОК [*а.* مسواك – тиш тозалагич] *эск.* Арча ва ш. к. хушбўй дарахт ёғочидан тарашлаб, мокисимон шаклда ясалган тиш тозалагич. *..салла устига қадалган мисвок ва хурмо данагидан ясалган.. тасбеҳ бу чолнинг сўфилардан бири эканлигини кўрсатади.* С. Айний, Қуллар. *Сўфи мисвогини қинидан чиқариб, яна секингина солиб қўйди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

МИСКАР [*ф.* مسگر – мис билан ишловчи] Мис ва унинг металлар билан қотиш-

масидан қуроллар, уй-рўзғор буюмлари ясаш ва уларни тузатиш иши билан шуғулланувчи ҳунарманд. *Гулнор.. мискарлар томонидан самовар тахлитида ясалган қумғондан чой қуяр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МИСКАРЛИК **1** Мискар иши, касби. *Мискарликни ўрганмоқ. Мискарлик қилмоқ.*

2 *тар.* Мискарлар растаси. *Мискарликда, ўнг томондаги пачақ дўкон олдига ёйиб қўйилган мис баркаш..* Мирмуҳсин, Ал Маҳдий.

МИСКИН [*а.* مسكين – бечора; бахтсиз] **1** Фақирликдан оғир аҳволга тушиб қолган, аҳволи танг, бечораҳол одам. *[Буғроҳожи:] Ҳадемай элга қаҳатчилик бўлғай.. фақир ва мискинлар ит, эшак гўштини егайлар.* М. Осим, Ўтрор.

2 Мунгли, тушкун, ҳазин. -*Отанг боёқиш чарчаб, бўлганича бўлди, – деди она мискин товуш билан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ота, ўғил диллари мискин, Унсиз суҳбат қуришар эди.* Сафо Очил.

3 Мақом услуби ва шаклларида яратилган туркумли куй ва ашула йўллари.

МИСКИНЛИК Мискин аҳвол, тушкун ҳолат. *Бу ундаги мискинлик ўрнида уйғонган инсоний ғурур нишонаси эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МИСЛ [*а.* مثل – ўхшаш; худди, каби] Мисол, тимсол, ўхшаш. *Мисли йўқ оламшумул воқеа. Мисли топилмайдиган киши.* ▬ *Тошкент тарихида мисли кўрилмаган Азизбек каби ваҳшийни фақат шу Мусулмонқул қўлидан олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МИСЛИ [*а.+ ф.* مثل – «мисл» с. изофа ҳолатда] Каби, сингари, бамисоли. *Қалбини бир оғир ғам ўртарди мисли оташ.* Ҳ. Олимжон.

МИСЛСИЗ Мисли, ўхшаши йўқ; бекиёс. *Мислсиз қаҳрамонлик.* ▬ *Бу ҳаёт оқимида мислсиз гирдоблар учрайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Фашистларнинг бева-бечораларга бераётган мислсиз азобларини кўрганда, Ўринбойнинг тутуни осмонга чиқади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

МИСОЛ [*а.* مثال – намуна; ўхшашлик; андоза] **1** Тушунтириш учун ёки далил, исбот ва ш. к. тариқасида бир турли нарса, ҳодиса ва ш. к. дан олинган айрим намуна; ўрнак. *Мисол келтирмоқ. Мисолга олмоқ. Мисол учун гапирмоқ.* ▬ *[Ҳакимбойвачча] Ёмонларнинг кўпайгани ҳақида шикоят қилди. Мисол учун Йўлчини олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шайбонийхон мирзоларнинг инсофни, имонни унутганлари, эл-улусни вайрон қилганларига яна бир талай мисоллар келтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ечиш, машқ қилиш учун бериладиган математик ифода. *Мисол ишламоқ. Ечилиши осон мисол.*

3 *кам қўлл. айн.* **мисоли.** *Оқ пахтамиз таронаси ёйилсин тонг мисол!* Т. Тўла. *Кунларим ҳам энди тийиқсиз Оқар кўзим ёшлари мисол.* Ш. Раҳмон.

МИСОЛИ [*а.* + *ф.* مثال – «мисол» с. изофа ҳолатда] *кўм.* Худди, гўё, каби, сингари. -*Ҳалиги гапимни сир деб бил! – давом этди чол. – Пахта бозори мисоли қайнаб тошган бир дарё.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мунчалар шунчалик кўркам шохингни Қуёшга кўтармай, пастга эгибсан? Соябон мисоли ерга тегибсан.* Шуҳрат.

МИСРА [*а.* مصراع – бир қатор шеър, байтнинг бир сатри] Шеърий асарнинг, байтнинг бир сатри, бир қатори. *Шодлигим эзгулик этади инъом. Маржондай сочилар мисралару байт.* Г. Жўраева. *Зокиржон ўзи кўчирган мисрани қайта-қайта ўқиди.* «Шарқ юлдузи».

МИСРАНГ [*ф.* مس رنگ – мис тусли, мис кўринишли] Қаттиқ нарсаларни кўчириш, бузиш, тешиш ва ш. к. учун ишлатиладиган, бир ёки иккала томони учли темир асбоб; лом. *Бир неча дақиқадан сўнг девор тешилиб, бири қўлида теша, иккинчиси мисранг ушлаган икки устанинг калласи кўринди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МИССИОНЕР [*фр.* missionnaire < *лот.* mission – жўнатиш, топшириқ] Черков томонидан, одатда, ҳукумат ёрдамида бошқа диндаги кишиларни ташвиқот қилиб, христиан динига киритиш учун қарам ва мустамлака мамлакатларга юборилган тарғиботчи. *Америка қитъаси янги очилган вақтларда миссионерлар ундаги занжиларни христиан динига киргизиш учун турли йўлларни тутганлар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МИССИЯ [*лот.* mission – жўнатиш, топшириқ < mittere – жўнатмоқ, юбормоқ] **1** Юксак бурч, масъулиятли вазифа. *Армиямизнинг буюк қудрати, инсонпарварлик миссияси айниқса Биринчи жаҳон уруши даврида янада яққол намоён бўлди.* Газетадан.

2 Муайян топшириқ билан бошқа мамлакатга юборилган вакиллар. *Савдо миссияси. Ҳарбий миссия.*

3 Бир давлатнинг бошқа давлатдаги (элчихонадан фарқли равишда) ёки халқаро ташкилотлардаги вакили бошчилигидаги доимий дипломатик ваколатхона. *Савдо миссияси.*

МИСТЕР [*ингл.* mister — жаноб] Англия ва Америкада эркакларга нисбатан, одатда, исм ёки фамилия олдига қўшиб, «жаноб» маъносида қўлланадиган сўз. *[Уолд Питте] Номи ёнига «мистер» сўзини қўшиб айтишни қаттиқ талаб қиларди.* Мирмуҳсин, Жаноб Питте. *-Мистер Джон, бу бахтсиз ҳодисами, деб сўраяптилар, — деди Олчинбек бойваччага қараб.* К. Яшин, Ҳамза.

МИ́СТИК 1 Мистицизм тарафдори. *Ўрта аср мистиклари.*

2 Ғайритабиий нарсаларга, мўъжизаларга ишонувчи.

МИСТИ́К Мистикага, мистицизмга оид, мистакадан, тасаввуфдан иборат бўлган, мистицизм руҳидаги. *Мистик тушунча. Мистик асар.*

МИСТИКА [*юн.* mystikos — яширин, сирли] Ғайритабиий оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, инсоннинг илоҳият олами билан алоқа қила олишига ишонишдан иборат диний эътиқод. *Ўрта аср мистикаси.* ▬ *..тасаввуфда Жомийни қизиқтирган нарса.. мистика, таркидунёчилик эмас эди.* Ш. Шомуҳамедов, Сўнмас юлдуз.

МИСТИЦИЗМ [*фр.* misticisme < *юн.* mystikos — яширин, сирли] Мистикага, тасаввуфга асосланган идеалистик диний дунёқараш; мистикага мойиллик. *Мистицизм руҳидаги асар.*

МИСҚОЛ [*а.* مثقال — 4,35—4,86 грамм оралиғидаги оғирлик ўлчов бирлиги] **1** *эск.* Қадимги оғирлик ўлчов бирлиги: тахминан 4,24 граммга тенг. *Полвон битта тухум, иккита хурмо, ярим мисқол седана, беш дона бўтакўз.. топиб, бир пиёла сув билан идишда қайнатишга буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

2 *кўчма* Озгина, жуда оз, жиндак. *Ўзганинг ҳимматини дарё, ўзингникини мисқол бил.* Мақол. ▬ *Назарбой Оқбўз отини миниб, танглайига мисқол носни ташлаб жўнади.* «Ойсулув».

МИСҚОЛИ: мисқоли дока Юқори сифатли нафис дока; шундай докадан тайёрланган. *Муфти Бухорога келгач, катта мисқоли салла ўраб.. юрарди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Ариқ соҳилидаги жийда соясида эса мисқоли яктак кийган оппоқ соқолли чол кетмон дастасига суяниб, букчайиб турибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МИСҚОЛЛАБ 1 Бир мисқолдан, мисқол билан. *Мисқоллаб тортмоқ.*

2 Жуда оз миқдор билан, оз-оздан. *Бизлар мисқоллаб обрў топамиз, улуғларимиз ботмонлаб бу обрўни тўкадилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳар мисра шеъри қиларкан нафис, Мисқоллаб йиғандай гуллардан гулоб.* О. Қўчқорбеков.

МИТА 1 *бот.* Ғалла экинларининг донини қорайтириб юборадиган касаллик; кул.

2 *зоол.* Донга тушадиган зараркунанда қурт; сақланаётган ғалла донлари, ёрма, қоқи ва б. ни зарарлайдиган ҳар хил ҳашарот ва каналарнинг умумий номи. *Омбор митаси. Митанинг ёмони тегирмондан бутун чиқади.* Мақол.

МИТИНГ [*ингл.* meeting — йиғин, мажлис, йиғилиш] Бирор муҳим воқеага, кўпинча сиёсий масалаларни муҳокама этишга бағишлаб ўтказиладиган оммавий йиғин. *Тинчлик тарафдорларининг митинги.* ▬ *Уруш ҳақидаги хабар радиодан эшитилиши биланоқ университетнинг мажлислар залида митинг бўлди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

МИТИНГБОЗЛИК *салб.* Бўлар-бўлмасга митинг ўтказавериш, иш ўрнига митингларга берилиб кетиш. *Шовқин-сурон кўтармай ва жар солмай, митингбозлик қилмай, ташкилотчилик ишларини кучайтириб юборишингиз керак.* Газетадан.

МИТРОПОЛИТ [*юн.* metropolites — метрополия фуқароси; метрополия епископи] Православ христиан черковида епископларнинг олий унвони ва шу унвонга эга бўлган руҳоний.

МИТТИ Жуда кичкина; жимит. *Орамизда ётган эмиш чақалоқ, Митти оёқчаси ой каби оппоқ.* Х. Даврон. *Келин шундай митти чучвара тугадики, унинг тўрттаси битта қошиққа сиғади.* «Муштум».

МИФ [*юн.* mythos — сўз; афсона, ривоят] Қадимги кишиларнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари

ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудалар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олади. *Юнон мифлари.* ▬ *Халқ эпосининг илк илдизи бўлган мифлар ҳақида археологик топилмалар анчагина маълумотлар беради.* «ЎТА».

МИФИК Мифга оид, мифдан иборат бўлган, мифга асосланган. *Мифик тушунча ва тасаввурлар.* ▬ *Маросим ва ритуалларда шомон Кўкдаги ва Ер остидаги мифик ҳомийлар мададига таянган.* «ЎТА».

МИФОЛОГИК Мифологияга оид. *Мифологик ишлар.* ▬ *Фикримизча, уч йўл мотиви қадимги туркларнинг мифологик тасаввурларига бориб тақалади.* «ЎТА».

МИФОЛОГИЯ [*юн.* mythos – афсона, ривоят + logos – фан, таълимот] **1** Мифлар ҳақидаги фан. *Уни мукаммал билиш учун қадим мифологиядан астрологиягача, ўрта аср каллиграфиясидан «илмҳои сегона» деб ном олган Шарқ поэтикасигача бўлган фанлардан хабардор бўлиш керак.* «ЎТА».

2 Бирор халқнинг мифлари, афсоналари мажмуи. *Юнон мифологияси. Шарқ мифологияси.* ▬ *Эртаклар мифлар билан алоқада бўлиб, уларнинг жуда кўп мотивлари мифологияга бориб тақалади.* «ЎТА».

МИХ [*ф.* ميخ – мих; қозиқ] Икки нарсани бир-бирига маҳкамлаш, бириктириш учун қоқиладиган, бир томони учли, иккинчи томони қалпоқли металл ёки ёғоч буюм. *Арава михи. Мих қоқмоқ. Мих урмоқ. Михни суғуриб олмоқ.* ▬ *Маҳкам ака деразага қоқаётган мих Бувниса холанинг қалбига қадалаётгандай бўларди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

Ишлар мих *с. т.* Жуда яхши, жойида, михдай. *Ҳамма чапак чалди, демак, ишларим мих экан-да.* «Муштум».

МИХДАЙ, =дек 1 Мих каби. *Палов мешдага михдек қадалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма с. т.* Жуда яхши, жойида. *Аввалги ишим михдек эди.* С. Аҳмад, Тоғларда.

МИХЛАМОҚ 1 Икки нарсани бир-бирига мих билан маҳкамламоқ, бириктирмоқ. *Улар тўғонларни тахта ва қозиқларни йўниб, михлаб, сим ўраб маҳкамлашар экан, уларга оталар бетиним «ҳа-ҳа»лаб кўмаклашмоқдалар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма с. т.* Кишини гап ёки бошқа йўл билан ерида қотирмоқ, мулзам қилмоқ. *Қўлимдан келса, мен ҳозир Ашурни бир сўз билан михлар эдим-у, Ғуломовнинг мушкулини осон қилар эдим.* П. Қодиров, Қадрим. *Сенинг бир кунлик иситмang мени ўринга михлайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

МИХЛАНМОҚ 1 Михламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Михланган қопқоқ.* ▬ *Отабек эсини бошига йиғиб, михланган еридан қўзғалганда.. кишилар уйларига қайта бошлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *От, тўрт оёғи ерга михлангандай, қимир этмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Бутун диққат-эътибори билан қараб қолмоқ, бутунлай берилиб қотмоқ. *Штабдагиларнинг кўзлари кўк ва қизил чизиқлар билан бўялган харитага михланиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Халойиқ кўзи билангина эмас, бутун фикру зикри билан ҳам мингбошига михланган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МИХХАТ [мих + хат] *тлш.* Қадимги Олд Осиёда қўлланган, мих ёки поначаларга ўхшаш белги (ҳарф)лари лой тахтачаларга ўйиб ёзилган идеографик ёзув тури.

МИХЧЎП 1 Этикдўзликда ишлатиладиган махсус ёғоч михча. *Бир куни чол қолипга тортилган кавушнинг тагига михчўп қоқаркан, ўзидан-ўзи қизиқ бир байт ўқиди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 *бот.* Узун баргли зубтурум.

МИШИҚ Бурундан оқадиган шилимшиқ суюқлик. *Эрмакчиларнинг кутгани ҳам фақат унинг* [*қовоқ девонанинг*] *ёши мишиғига, мишиғи тупугига қўшилиб йиғлаши эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Мишиғи оққан *кест.* Ҳали турмуш тажрибасига эга бўлмаган: ёш, гўдак, ғўр.

МИШИҚИ 1 Бурнидан мишиғи оқиб турадиган. *Мишиқи бола.*

2 *айн.* **мишиғи оққан** *қ.* **мишиқ.** *Бир томони, қиз боланинг олдида ўзидан кичик бир мишиқидан тарсаки ейиши алам қилди.* М. Хайруллаев, Журъат.

МИШ-МИШ Эл оғзига тушган, тўғри-нотўғрилиги номаълум хабар, гап-сўз. *Миш-миш тарқатмоқ. Миш-мишларга ишонмоқ.* ▬ *Эрталаб яна турли гаплар эшитила бошлади.. Мадамин воқеасидан ҳам ваҳималироқ миш-мишлар тоғлар, довонларни бир кечада ошиб келиб, қишлоқнинг тор кўчаларига кирган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қишлоқдан анча нарида, дашт этагида жойлашган бу*

тепалик ҳақида ваҳимали миш-мишлар тарқалган эди. «Ёшлик».

МИШМИШЧИ Миш-миш гапларни тарқатувчи, тарқатишни яхши кўрувчи. *Мен гап-сўздан қўрқмайман-у, эл оғзида сақич бўлиш, мишмишчиларни ўчакиштириш ҳам ҳавас эмас.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

МИЯ 1 Одам ва баъзи ҳайвонлар нерв системасининг марказий бўлими; одамда — тафаккур аъзоси. *Бош мия. Орқа мия. Мия қобиғи. Мия касалликлари.* ▬ *Айтишларига қараганда, миям чайқалган эмиш.* «Гулдаста». *Унинг [Жапақнинг] миясида гўё ҳеч қандай ўй, фикр йўқ эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Одам ва умуртқали ҳайвонлар суяги бўшлиқларини тўлдириб турувчи тўқима (кўмик).

3 *кўчма* Ақл, онг. *Мияси бор киши. Мияси бутун одам.* ▬ *[Зуннунхўжа:] Миянг борми ўзи, Сидиқжон колхозга киргани билан ер колхозга ўтиб кетмайди, ўртада бўлади!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *с. т.* Бошнинг қоқ тепаси; бош, калла. *Миясига муштламоқ.* ▬ *Тўравой душманнинг бирининг кўксига найза санчиб, иккинчисининг миясига қўндоқ билан урди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Мияси шишмоқ Нима қилишини билмай қолмоқ, боши қотмоқ. *Мана шунингдек масалалар билан Ўзбек ойимнинг мияси шишган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Халқнинг мияси шишди, кўзи тинди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Мияси ғовламоқ** *айн.* **мияси шишмоқ.** *Шермат аканинг ғазаби қайнаб кетди. Мияси ғовлаб, юзига совуқ тер қуйилди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. **Миясида ёнғоқ** (*ёки* **данак) чақмоқ** *айн.* **бошида ёнғоқ чақмоқ.** *қ.* **бош.** *..эрим миямда данак чақса ҳам, уйда ўтирганим бир давлат эди.* А. Қаҳҳор, Мастон. **Миясини емоқ** Тўғри фикрлай олмайдиган бўлмоқ. *Миясини еган чол! ..ўғлингнинг кимлигини билганингда, валдирамас эдинг!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қариб, миянгизни еб қопсиз, кўздан ҳам қопсиз!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Миясини қотирмоқ** *айн.* **бошини қотирмоқ** *қ.* **бош.** *..бу ҳол яна унинг миясини қотирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Миясини қоқиб, қўлига бермоқ** Ҳаддан ортиқ гап-сўз билан жонига тегмоқ. *Тошкентдан яп-янги машина олиб келиши ҳақида мақтанавериб, миямизни қоқиб, қўлимизга берди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Айтиб улгургунча, ая миясини қоқиб, қўлига берарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

МИЯЛИ Ақли бор, ақли ўткир, ақлли. *Мияли киши.* ▬ *Ҳозирги директоримиз бўладиган бола — мияли, эсли-ҳушли.* С. Аҳмад, Сайланма.

МИЯСИЗ Ақли йўқ, ақлсиз, беақл. *Миясиз одам.*

МИҚ: миқ этмаслик Ҳеч гапирмаслик, бутунлай индамаслик, овоз чиқармаслик. *Икки тарафдаги болалар ҳам миқ этмай, ҳатто нафас олмай, унинг ҳаракатини кузатишар эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Тиллабой тепса-тебранмас бир одам бўлиб.. бировга гап сўрамаса, ўзи миқ этмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МИҚДОР [*а.* مقدار — катта-кичик, озкўплик; катталик] **1** Ўлчаш, санаш мумкин бўлган нарсаларнинг оз-кўплиги, сони, чамаси. *Иссиқлик миқдори. Сув бир миқдорда оқиб турибди. Етарли миқдорда озиқ-овқат билан таъминламоқ. Кўп миқдордаги сув.* ▬ *Ота-онамдан қолган кўрпа-ёстиқлардан ўзим учун ва укаларим учун керакли миқдорда олдим.* С. Айний, Эсдаликлар. *Яккам-дуккам туб конлардан олинаётган олтин миқдори жуда кам.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *мат.* Кесма узунлиги, сирт юзи, жисм ҳажми ва массаси каби тушунчаларнинг умумлашма номи; катталик.

3 *флс.* Объектнинг ташқи кўрсаткичлари (катталиги, сони, ҳажми), ҳодисаларнинг ривожланиши ва ш.к. ни ифодаловчи тушунча. *Миқдор ва сифат. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши.*

МИҚДОРИЙ Миқдорга оид, миқдор билан боғлиқ бўлган. *Миқдорий фарқ. Миқдорий ўзгаришлар.*

Миқдорий анализ *ким.* Модданинг таркибий қисмлари миқдорини белгилаш учун қилинадиган анализ.

МИҚЁС [*а.* مقياس — ўлчов, мезон; ўлчагич] Кўлам, масштаб. *Иш миқёси. Жаҳон миқёсида аҳамиятга эга бўлган масала. Кенг миқёсда текшириш олиб бормоқ.* ▬ *Агар бу мисолни республика миқёсида оладиган бўлсак, янада қувончли натижаларни кўрамиз.* Газетадан.

МИҚНОТИС [*а.* مغناطيس < *юн.* magnetis – магнит] *эск. кт. айн* **магнит.**

МИҚРОЗ [*а.* مقراض – қайчи] *эск.* Шам сўхтасини кесадиган кичкина қайчи. *Отабек миқроз билан шам сўхтасини кесиб тузатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МИҚТИ Сергўшт, аммо пишиқ. *Миқти йигит.* ▬ *Ҳусайн Бойқаро белидан юқориси кенгайиб борган қабариқ кўкракли, миқти гавдали эди.* Ойбек, Навоий.

МИҚТИЛАМОҚ Уриб, босиб тиғизламоқ, тиқиб жойламоқ. *Жуда кўп хазон супуриб, қанорларга миқтилаб жойладик.* Ойбек, Танланган асарлар.

МИҚҚИ *с. т.* Миқти, пишиқ. *Тўсатдан у ёнидаги миққи йигитнинг ёқасидан олди.* Газетадан.

МИҚҚИЙ Лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш.

МОБАЙНИДА (*а.* مابين – ора, оралиқдаги нима? ўрталик) *кўм.* Вақт муносабатини билдиради; давомида, оралиғида, орасида. *Ўтган вақт мобайнида.* ▬ *Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми ё Сидиқжон «асти қўймагани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йил мобайнида Умид Шукур Каримович топшириғи билан уч бор Фарғонадаги «Зарбдор» колхозида бўлди.* Мирмуҳсин, Умид.

МОБИЛИЗАЦИЯ [*фр.* mobilisation < *лот.* mobilis – ҳаракатчан, қўзғалувчан] **1** Уруш эълон қилиниши муносабати билан захирадаги ҳарбийларни ёки уларнинг бир қисмини ҳақиқий хизматга чақириш; сафарбарлик. *Мобилизация эълон қилмоқ.*

2 Куролли кучларни ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини тинч ҳолатдагидан уруш давридаги даража ва ҳолатга келтириш; сафарбарлик. *Умумий мобилизация.*

3 *кўчма* Муҳим топшириқни бажариш учун аҳолини, саноатни сафарбар қилиш. *Йиғим-терим ишига мобилизация қилмоқ.*

МОВ: мов бўлмоқ Куйикмок (мушук ҳақида). *Ҳамма ёқ жимжит. Аллақаерда мов бўлган мушуклар вағиллаб, бутун қишлоқни бошига кўтармоқда.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МОВИЙ [*а.* مآوى – сувга ўхшаш, кўк ранг, ҳаворанг] *поэт.* Тиниқ кўк, ҳаворанг. *Мовий осмон. Мовий денгиз. Мовий кўл. Мовий кўзлар.* ▬ *Текис ва қўнғир дашт устида мовий гумбаз – осмон гумбази ҳам улкан бир сардобага ўхшарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МОВЛИЯТ [*а.* موالّيت – қўллаб-қувватловчи, дўстона (иш, муносабат)] *с. т.* **1** Тўй, маърака ва б. маросимларнинг умумий номи. *[Гулнора:] Ойим Ҳафиза холаникига кетганлари учун қўзғалолмадим. -Нега, бирор мовлияти бор эканми?* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Борадиган жойи, мовлиятига қараб, ҳар замонда билинар-билинмас сурма, упа-элик сурарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Маврид, пайт, вақт.

МОВУТ Ўнг томони силлиқ, жун ёки ярми жун мато; сукно. *Бир пальтолик мовут. Мовут шим.* ▬ *У [Хўжабеков] яшил мовут ёпилган, оғир оқ мармар сиёҳдон қўйилган ҳашаматли стол орқасида улуғвор бир вазиятда ўтирарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МОДА [*ф.* ماده – урғочи ҳайвон, урғочи қуш, макиён] Товуқ ва беданадан бошқа қушларнинг урғочиси. *Модасига тегишгани учун томдаги каптар ҳам буқоғини чиқариб, рақибининг теварагида яғрин кера бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МОДА [*фр.* mode < *лот.* modus – меъёр, усул, қоида, кўрсатма] **1** Турмуш ёки маданиятда кийим-кечак, рўзғор буюмларига нисбатан муайян дид ёки қизиқишнинг маълум вақтгача устувор бўлиши.

2 Тор маънода: ана шу дид ва қизиқишларга мос келадиган кийим шакли ва намуналари. *Ҳозир бу мода эмас. Мода бўлмоқ. Модадан чиқмоқ. Мода бўйича кийинмоқ. Модага қараб соч қўймоқ.*

МОДАЛ *тлш.* Модаллик ифодаловчи. *Модал сўзлар.*

МОДАЛЛИК [*фр.* modalite < *лот.* modus – усул; майл] *тлш.* Фикрнинг, гап мазмунининг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатувчи грамматик категория.

МОДДА I [*а.* مادّه – нарса, жисм, материя] Тинч ҳолатда массага эга бўлган зарралар мажмуи; жисмларни ташкил қилган нарса. *Органик модда. Портловчи моддалар. Заҳарли моддалар.* ▬ *Она сутида оқсиллар, ёғлар, фосфор каби тўйимли моддалар етарли бўлади.* «Саодат».

МОДДА II [*а.* مادّه – қонун ёки шартноманинг бир бўлими] **1** Расмий ҳужжат, мажмуа, қонун ва ш. к. нинг рақам ёки ҳарф билан ажратиладиган мустақил бўлими.

Уставнинг биринчи моддаси. ▬ [*Жонфиғон*] *Жиноят қонунлари мажмуасининг алланечанчи моддаси тўғрисида гапирди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

2 Бюджет ёки бирор молиявий ҳужжатнинг даромад манбаи ва харажат қисмларини кўрсатувчи бўлими. *Даромад моддалари.*

МОДДИЙ [*а.* مادّى – жисм, моддага оид, тегишли] **1** Моддадан иборат бўлган, моддадан тузилган. *Моддий олам. Моддий зарра.*

2 Мол ва пулдан иборат. *Моддий ёрдам. Моддий бойлик. Моддий жавобгарлик.* ▬ *Ҳаёт ёлғиз моддий жиҳатдан эмас, маънавий жиҳатдан ҳам мислсиз бой.* Ойбек, О. в. шабадалар.

Моддий далил *айн.* **ашёвий далил** *қ.* **далил 2**.

МОДДИЙЛИК Моддий ҳолат, моддий эканлик.

МОДДИЮН [*а.* مادّى – моддага, ашёга, материяга оид] *эск. айн.* **материалист 1.**

МОДДИЮНЛИК *эск. айн.* **материализм.**

МОДДИЮНЧИ *эск. айн.* **материалист.** *..бутун бир авлодни боғча ёшидан моддиюнчи, даҳрий қилиб тарбиялашган..* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

МОДДИЮНЧИЛИК *эск. айн.* **материализм**. *Моддиюнчилик шундай соҳаки, биз билан мулки оламни тан олади.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

МОДЕЛЛАШТИРМОҚ 1 Бирор нарсанинг моделини ишламоқ, яратмоқ. *Кўйлакни моделлаштирмоқ.*

2 Ҳодисалар жараёнининг юз бериш моделини белгиламоқ, шу йўл билан тадқиқ этмоқ.

3 Бўлғуси ҳайкалнинг сирт қисмини ишламоқ, тарашламоқ.

МОДЕЛЧИ Модель ясовчи, яратувчи уста, мутахассис.

МОДЕЛЬ [*фр.* modele < *лот.* modulus – ўлчов, меъёр] **1** Бирор нарсанинг (мас., автомобиль, иншоот, кийим ва ш. к. нинг) худди ўзидек ёки кичрайтириб, катталаштириб олинган, кўплаб ишлаб чиқариш учун андоза бўладиган нусхаси. *Трактор модели. Станок модели.* ▬ *Асад қўйди моделлин, учди модель ҳаволаб.* Т. Тўла.

2 *снт.* Тасвирий асарнинг, мас., ҳайкалнинг лой, мум, гипс ёки ёғочдан ясалган, кейинчалик ундан қолип олиш асосида чидамли материалдан асл нусха тайёрланадиган хомаки нусхаси. *Рассом ўз асарини бошлар экан, энг аввало, маълум эстетик кечинмаларни уйғотадиган, ўй суришга мажбур қиладиган, завқ бахш этадиган модель танлаши керак.* А. Умаров, Портрет – даврнинг ёрқин ифодаси.

3 *снт.* Рассом расм чизаётганда ёки фотограф суратга олаётганда муайян, кераклӣ вазиятда турадиган эркак ёки аёл (натурачи).

4 Қуювчиликда қолип тайёрлаш учун ёғоч ёки металлдан ясалган нусха. *Модель цехи.*

5 *кўчма* Оммага, жамоатчиликка у ёки бу модельер яратган янги модел (намуна)-даги кийимларни намойиш этувчи хизматчи аёл ёки эркак.

МОДЕЛЬЕР [*фр.* modeleur – модель тайёрловчи] *айн.* **моделчи.** *Корхонанинг модельерлари маҳсулотларнинг янги замонавий хилларини яратиш борасида самарали иш олиб бормоқдалар.* Газетадан.

МОДЕРНИЗАЦИЯ [*фр.* moderniser – янгиламоқ < moderne – янги, замонавий] Бирор нарсани замонавий талаб ва дидга мослаб ўзгартириш; замонавийлаштириш. *Ускуналарни модернизация қилиш.*

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАМОҚ Модернизация қилмоқ, замонавийлаштирмоқ. *Ускуналарни модернизациялаш ва ялпи ўзлаштириш йўли билан ишлаб чиқариш қувватини оширмоқ.* ▬ *Саноат корхоналарида эскириб қолган асбоб-ускуналарни модернизациялаш давом эттирилди.* Газетадан.

МОДЕРНИЗМ [*фр.* modernisme] 19-аср охири ва 20-асрда АҚШ ва Европа санъати ва адабиётида реализмга қарши бўлган, анъанавий шакллар ва эстетикани инкор қилувчи оқимларнинг умумий номи. *Ўзбекистон санъати – модернизмнинг иллатли таъсирларидан холи бўлган соғлом санъатдир.* Газетадан.

МОДЕРНИСТ Модернизм йўлидан борувчи, модернизмга амал қилувчи.

МОДЕРНИСТИК Модернизмга ва модернистга оид; модернизм талабларига асосланган. *Модернистик мусиқа.*

МОДИФИКАЦИЯ [*фр.* modification < *лот.* modificatio – тўғри ўлчаб чиқиш, чамалаш] **1** Предмет ёки ҳодисанинг асли моҳияти сақланган ҳолда янги хоссалар

пайдо бўлиши билан намоён бўладиган шаклий ўзгариши.

2 Шундай ўзгаришга учраган предмет ёки ҳодиса, кўриниш.

МОДОМИКИ [*а.+ф.* مادامیکه – шунга қадарки.., шундай экан..; қадар, ..гача < *а.* مادام – давомли, доимо] *юкл.* Эргаш гаплар бошида келиб, шу гап билдирган маънони таъкидлайди. *Модомики сиз рози экансиз, менинг қаршилигим йўқ.* ▬ *Модомики, аҳвол шундай экан, у кишининг орзуларига қулоқ солишимиз керак бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МОЖАРО [*а.* ماجراء – ўртада бўлган нарса, айни шу сабабли] **1** Ҳодиса, воқеа (асосан, салбий воқеа-ҳодиса ҳақида). *Даҳшатли можаролар.* ▬ *Зайнабнинг жинни бўлиб.. оғаси томонидан ушланиб, кишанга солинган можароси эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мактаблар бўлди вайрон, Иморатлар хароба. Бу офат можарога Кўҳна фалак ҳам ҳайрон.* М. Шайхзода.

2 Кишининг бошидаги, бошидан кечган ташвиш, саргузаштлар. *Абдурасул ўз бошидан кечган можароларни сўзлашга киришди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир вақтлар ишқ можароларини ёлғиз эртаклардан тинглаган Гулнор энди ўзи ишқнинг олов кўйлагида яшар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Жанжал, тортишув, ғалва. *Шарофат.. Сидиқжоннинг ғашига тегмоқчи, шу ерда бирон можаро бошлаб, дод солмоқчи эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йўлда хотини билан тонгда бўлган можарони эслаб, кўнгли бадтар хижил тортди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

МОЖАРОЛАШМОҚ Келишмовчилик орқасида айтишиб қолмоқ, жанжаллашмоқ. *Қўни-қўшнилар билан можаролашиб қолди.*

МОЗАИКА [*фр.* mosaique – музаларга бағишланган] **1** Турли рангдаги шиша, рангдор тошлар, ёғоч, металлар парчаларидан бир-бирига тиғиз қадаб тайёрланган тасвир ёки нақш; шундай парчаларнинг ўзи.

2 Шундай тасвир, нақшлар тайёрлашдан иборат санъат тури.

МОЗИ [*ф.* مازو – тиканли ёнғоқча] Болут дарахтининг баргида баъзи паразитлар таъсирида ҳосил бўладиган ёнғоқсимон ўсимта (тери ошлаш ва бўёқчиликда, шунингдек, халқ табобатида дори сифатида ишлатилади). *-[Бозордаги] Моллар ичида жаҳондаги атторликнинг ҳамма жиҳози топилади: мози, занжабил, санойи макка, кучала, кўзмунчоқ.. қўйинг-чи, ҳамма нарса бор, – деди Шум бола.* F. Fулом, Шум бола.

МОЗИЙ [*а.* ماضی – ўтган, ўтиб кетган замон] *эск. кт. айн.* **ўтмиш.** *Чилдухтарон – ўша, қора мозийнинг Энг қора вароғи, энг қора боби.* Уйғун. *Мақтамасман мозийни, бироқ ўтмишингни ўйлайман бир зум.* А. Орипов, Руҳим.

Феъли мозий *эск. тлш.* Ўтган замон феъли.

МОЗОР [*ф.* مزار – гўр, қабр; муқаддас, зиёратгоҳ жой] **1** Ўлган кишилар дафн этиладиган жой; қабристон. *Қишлоқ мозори. Болалик уй – бозор, боласиз уй – мозор.* Мақол. ▬ *Қишлоқ олдида пайдо бўлган ўртоқлар мозорига жафокаш кампирнинг ҳам жасади қўйилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Гўр, қабр. [*Ёрмат*] *Қаёққадир, балки Гулнорнинг мозорига, илдам жўнаркан, лаблари муттасил пичирларди: -Нима иш қилдим? Гуноҳми? Савобми?* Ойбек, Танланган асарлар. *..бузишяпти экан. Ҳозироқ бор. Отангнинг мозорини кавла. Суяклари хор бўлиб кетмасин.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Мозор босган *ёки* **мозор босиб келган** *айн.* **мозорбосди.** *Вали полвон бурчакда турган қопидан «мозор босиб келган» патир билан туршак, анор олиб қўйди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Очиқ мозорда** 1) ҳеч қачон, ўлганда ҳам; 2) ҳеч қаерда(н). *Сен очиқ мозордан олиб берасанми [пулни]..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МОЗОРБОСДИ *с.т.* Узоқдан, бошқа жойдан келган; табаррук (егулик ҳақида). *-Сизлар ҳам еб қолинглар, қаландарнинг нони, мозорбосди – табаррук, – деб лаълини Сафарга қаратиб итарди.* С. Айний, Қуллар. *-Қорин-ку очликка оч-а, шошмай тур, мозорбосди нарсаларни олайлик-чи, – деди, рюкзакни каравоти тагидан олиб очаркан.* С. Кароматов, Олтин қум.

МОЗОРИСТОН [*ф.* مزارستان – қабристон] Қабристон, мозор. *Нурини нақ мозористонда ёлғиз қолган каби бир ваҳима босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мозористон ҳайбати, мозористон сукунати уни ғамгин, пажмурда ўйлар гирдобига ботиради.* С. Сиёев, Аваз.

МОЗОРОТ *шв.* Мозористон. *[Ҳакимбек:] Кеч қолган одам мозоротда ётади дегувчи эди.* «Алпомиш».

МОЙ 1 Чорва моллари ва баъзи жониворлар тўқималарида бўладиган, таркибида ёғ бўладиган нарса. *Бир қумалоқ бир қорин мойни чиритар.* Мақол. *Эчкига жон қайғу, қассобга мой қайғу.* Мақол. ▬ *Қуённинг мойи қўй ва қорамол мойига нисбатан тез эрийди.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай нарсадан ва баъзи ўсимликларнинг уруғи, гули ва мевасидан олинадиган, сувда эримайдиган модда; ёғ. *Ҳайвонот мойларидан тайёрланган ёғ маҳсулотлари ҳам яхши доғлашни талаб этади.* Газетадан. *Ёнғоқнинг таркибида мой, оқсил.. моддалари беҳисоб.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *..соядан яхши ҳосил олишимиз, озиқ-овқат саноати учун соя мойи ишлаб чиқаришимиз мумкин.* Газетадан. *Инсон гуллардан эфир ва саноат мойи.. ва доривор олишга ҳам ўрганган.* Газетадан.

Жувоз мойи Чигит, мағиз ва ш.к. дан жувозда чиқарилган мой (*қ.* **мойжувоз**). *Қўшни ҳовлидан чучитилган жувоз мойининг иси келади.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Мой босган** *ёки* **мойи чиққан** Кир бўлиб, ялтираб кетган (асосан кийим ҳақида). *Бир неча минутдан сўнг туриб, мой босган қатирма дўпписи ичига тўғналган игнани олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бошида мойи чиқиб кетган эски кепка, эгнида қора сатин пиджак.* О. Тоғаев, Алангали юрак. **Мой томса** (*ёки* **тўкилса, тушса**) **ялагудек** Ниҳоятда тоза (ер сатҳи, пол ва ш.к. ҳақида). *Турдиматчўтал гўлаххонани мой томса ялагудек қилиб, афтидан, бор зеҳнини бериб тозалаб қўйган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мой тўкилса ялагудек.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Мойдек** (*ёки* **мой каби**) **ёқмоқ** Кўнглига жуда хуш келмоқ; ёқиб тушмоқ. *Зиёдилланинг бу гаплари домлага мойдек ёқиб тушди шекилли..* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кумушнинг ўтинчи унга мой каби ёқиб тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Оғзидан мой томмоқ** Ўзига жуда маъқул билиб, хуш келиб гапирмоқ. *Гапирганда оғзидан мой томади.* ▬ *Раҳмонали ўзи ишлаган МТС ва хотини аъзо бўлган колхоз ишини оғзидан мой томиб мақтай кетди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. **Пичоғи мой устида** Иши, маишати жуда яхши. *Булар ҳам бир нав дуруст: бири агроном, бири мол дўхтири. Пичоқлари мой устида!* О. Ёқубов, Ларза. *Ана, энди Турсуналининг пичоғи яна мой устида.* «Муштум». **Қозон ҳам мой, чўмич ҳам** Рўзғор, тирикчиликнинг бекамкўст, етарли таъминланганини, тўкинлигини билдиради. *Машиналарни рост кўча қолиб, паст кўчадан югуртиравердилар. Қарасалар, қозон ҳам мой, чўмич ҳам.* «Муштум». **Оғзингга мой** Суҳбатдошнинг гапи, хабари жуда маъқул келганда, ёқиб тушганда қўлланадиган ибора. *Оғзингизга мой, амаки!* О. Ёқубов, Ларза. *-Унинг айтишига қараганда, Зуннунхўжа қулоқ қилинипти! Сидиқжон ялт этиб унга қаради: -Ростми? Яшанг-е, оғзингизга мой!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Юмшатиш, ҳаракатни равонлаштириш, пардоз ва б. мақсадларда ишлатилувчи моддаларнинг умумий номи. *Коржомаси ва қўлларигача мой бўлганидан, билагини тутиб сўрашди.* Р. Файзий, Асад либоси. *Муллажон амаки.. ҳалиги кишининг юзига суқма мой суртдилар-да, ҳафсала билан ишқаладилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..мой суртмасанг, араванинг ўқи ҳам ғирчиллайди.* «Муштум».

4 *с.т. кам. қўлл.* Бўёқ. *Полиция эшиги берк: яшил мой билан сирланган ёғоч панжаралар олдида тутаққан халқ қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МОЙДАЙ 1 Мой каби. *Мойдай мулойим.*

2: мойдай ёқмоқ Жуда хуш келмоқ, ёқиб тушмоқ. *Полвоннинг гаплари Матёзга мойдай ёқди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *«Келин» сўзи йигитнинг қулоғига мойдай ёқиб, «куйган» меҳнатини ҳам унутди.* С. Нуров, Нарвон.

МОЙЖУВОЗ Ўсимлик уруғидан мой олинадиган жувоз ва шу жувоз жойлашган жой. *Сенга ўхшаш обжувози, мойжувози борлар солиқ тўламаса, муллажиринг қаёқдан тушади?* П. Турсун, Ўқитувчи.

МОЙИЛ [*а.* مائل – бир томонга эгилган, энгашган; қия, нишаб] **1** Майли, кўнгли бор, кўнгил қўйган. *Илмга мойил одам.* ▬ *Қўшниси қишлоқдаги бир деҳқоннинг Нуржамол исмли қизини яхши кўраркан. Қиз ҳам унга мойил экан.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Аммо ёшлар одам зотин айирмас. Кўнгил мойил бўлса – шунинг ўзи бас!* М. Икром, Кўнгил гули.

2 Яқинлашиб борувчи, яқин. *Олти-етти ёшлар чамаси дўндиққина, оққа мойил юзчаси исиққина бу жажжи қиз.. қўғирчоққа ўхшар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бердиёрнинг бўйи ҳам новча, ўзи сариққа мойил.*

Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Раъно табассумга мойил жоду кўзлари билан Анварга оҳиста бош кўтариб қаради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ер бағирлаб турган иморатлар кўнгилда ғашликка мойил бир ҳис уйғотади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

3 Бирор нарса таъсирига берилувчан, яқин. *Бўрижарнинг шаҳар чеккаларидаги соҳиллари эрозияга мойил бўлиб турибди.* Газетадан. *Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.* Газетадан.

Мойил қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Майлини қозонмоқ, мойиллик уйғотмоқ. *Эртанги кун ишқи этмаса мойил, Ҳаётнинг лаззати келурми эсга.* Г. Жўраева.

МОЙИЛЛАНМОҚ *кам қўлл.* **1** Мойил бўлмоқ, кўнгил қўймоқ. *Баъзан бир қадар мойилланиб, деразанинг бир четидан айвонга кўз ташлаб қўяр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ён босмоқ, тарафини олмоқ. *Масаланинг бу янглиғ бошланишига ва бунинг устига эрининг [Отабекка] мойилланишига Офтоб ойим нима дейишини билмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МОЙИЛЛИК 1 Мойил эканлик. *[Зулфиқорнинг] Ўз қизига мойиллигини сезиб, Ҳиротдан узоқлаштирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ички интилиш, майл. *Ёшликдан менинг романтикага, саргузатларга мойиллигим бор эди.* «Ёшлик».

МОЙЛАМОҚ Мой суркамоқ, мой бермоқ. *Машинани мойламоқ. Этигини мойламоқ.* ▬ *Мўйловдор бир йигит деразa мойлаётган экан.* С. Аҳмад, Сайланма.

Оғзини (*ёки* **томоғини) мойламоқ** Пора тариқасида меҳмон қилмоқ ёки пора бермоқ. *-Хумпарнинг оғзи-бурнини мойлаб, қўлга олиб бўлмасмикин? Доридан ичар? — деди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Улар хўжайиннинг томоғини мойладик, деб нон зуваласидан бир сиқим-бир сиқим узиб қолавердилар.* «Муштум».

МОЙЛАНМОҚ 1 Мойламоқ фл. мажҳ. н. *Мойланган арава. Мойланган этик.* ▬ *Ҳоким соқоли тоза қирилиб, қора мўйлови мойлангандай йилтираб турган.. ўзбекка юзланиб бош ирғади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кам қўлл.* Мой босмоқ, кирланиб мойи чиқмоқ. *Эгнида кирланиб, мойланиб йилтиллаган, доғ-дуғли.. қора камзул.* Ойбек, Танланган асарлар.

МОЙЛИ 1 Мойи бор, мой олиш мумкин бўлган. *Мойли ўсимликлар.*

2 Мойланган, мой берилган. *Мойли қоғоз.*

3 Сермой, ёғли. *Турсуной тухум билан қовурилган мойли қўй гўштини бир хитой лаганда келтириб, сандал устига қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фазлиддин олдинроқ мойли сомсани кўпроқ еганидан мантини оз еди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Даромади яхши; сердаромад. *Мойли иш излаб юрибди.* ▬ *Бу оила тинч, мойли макон қидириб, қишлоққа кўчиб келган..* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Мойи чиққан; кирланган. *Ёқаси мойли бўлсин, этаги лойли бўлсин.* «Бойчечак».

МОЙЛИҚИ *шв.* Кир босган, кирланиб кетган, мойи чиққан. *Қорасоч унинг мойлиқи бўлиб кетган уст-бошини юваётиб, кўкрак чўнтагидан шу хатни олиб ўқиди.* Т. Сулаймон, Қорасоч.

МОЙУПА *айн.* **ёғупа.** *Маликанинг мойупа суртилмаган қўллари аёллик нафосатидан маҳрум эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

МОЙХЎРАК Отнинг ёлида ва одамнинг бошида бўладиган тери касаллиги. *Кал бўлиш, бошга мойхўрак тошиш.. ҳаммаси Салмон покнинг ҳақларини еганликдан бўлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

МОЙЧЕЧАК Мураккабгулдошлар оиласига мансуб, ўртаси карнайча шаклидаги сариқ ва чети косагул шаклидаги оқ гуллардан иборат тўпгулли бир йиллик доривор ўт, ўсимлик ва унинг гули. *Гулзордаги оппоқ мойчечак ширасини асаларилар сўнгги бор ташийди.* Й. Шамшаров, Қўриқ меъморлари.

МОЙЧИРОҚ *шв.* Қора чироқ, лампа. *У [Жапақ] яна мойчироққа тикилди, яна ўзини унутди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

МОЙҚУТ Чумчуқсимонлар туркумига мансуб кичкина кулранг сайроқи қуш.

МОКИ [*ф.* ماکو — тўқув дастгоҳининг қайиқчасимон анжоми] **1** Тўқув дўкони ёки дастгоҳининг газмолнинг ўришига арқоқ ипларини ўтказиш учун хизмат қиладиган ғалтаги. *У ҳали гула қўяр, ҳали кудунгчиларга қарашар, ҳали дўконга ўтириб, моки отарди.* Ё. Шукуров, Қасос.

2 Тикув машинасида устки ип измасига пастки ипни ўтказиб турадиган мослама, ғалтакча.

Бўзчининг мокисидай югурмоқ (*ёки* **қатнамоқ**) Тўхтовсиз, тез бориб-келиб турмоқ, қатнамоқ. *Қўл қўйдириш учун бир неча кундан буён бўзчининг мокисидай мана шу қабулхонага қатнайман.* «Муштум». *Тентак экансан-ку.. бўзчининг мокисидай югуриб қолдинг.* Й. Шамшаров, Тошқин.

МОЛ [*а.* مال – бойлик, мулк; пул жамғармаси] **1** Сутэмизувчилар оиласига мансуб асосий гуруҳ уй ҳайвонлари (қорамол, йилқи, қўй, эчки, туя ва б.); чорва. *Мол оласи ташида, одам оласи ичида.* Мақол. ▬ *Кўксойни ёқалаб тақир чорва йўли ўтган. Чўпонлар бу йўлдан баҳорда тоққа, кузда қишлоққа мол ҳайдайдилар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу-ку мол, териси қалин, жони бўш қўй, эчкиларимиз ҳам чўп тишлаб, тупроқ ялаб, қишни очиқ ҳавода ўтказишди.* «Муштум».

2 *кўчма с. т.* Дид-фаҳмсиз, қўпол одамга нисбатан ҳақорат тарзида қўлланади. *Жуман писмиқ, кўзларини жавдиратганича тураверди. -Гапир, мол! – деди мингбоши.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бисотдаги буюм; мол, бойлик. *Йигит моли ерда.* Мақол. ▬ *Бу кун кечаси Тошкент қон ичида.. ҳукумат кишилари халқ томонидан ўлдириладилар, уйларига ўт қўйилиб, моллари талонга тушади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Келиннинг кийим-кечаклари; сеп. *Гапнинг сираси шуки, қизнинг молини тўлатаман деб, отангиз бир оз қоқилиб қолдилар.* «Муштум».

5 Сотиладиган нарса, буюм; товар. *Баъзи дўконларда, ердан шипга қадар қаланган моллар орасида ўн икки-ўн уч яшар жажжи болалар ўтиради, савдо қилади, чўт қоқади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қоракўл тери дейсизми, ипак мол дейсизми – барини вагонлаб соттирдим.* Ж. Шарипов, Хоразм.

6 *с.т.* Кийим ва бошқа нарса учун ишлатиладиган мато. *Яхши молдан тикилган костюм.*

МОЛА Ҳайдалган ернинг кесакларини майдалаб текислаш ва зичлаш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик асбоби, борonaнинг ёғочдан ясалган жайдари тури. *Матқовул қишда ҳам тинмади. Ўзига омоч йўнди, мола ясади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тупроқ обитобига етиб, шудгорларга мола тушди.* С. Нуров, Нарвон.

Мола босмоқ Шудгор устидан мола юргизмоқ. *Тушдан кейин.. арпадан бўшаган ерни ҳайдаб, мола босаман.* С. Нуров, Нарвон.

МОЛАЛАМОҚ Мола билан шудгорнинг кесакларини майдалаб, ўнқир-чўнқирларини текисламоқ; мола босмоқ. *Тошоталиклар аксар ерларини молалаб бўлиб, бугун-эрта чигит экамиз деб туришганида, бирдан ёғингарчилик бошланиб кетди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

МОЛБОҚАР Молларга қаровчи, мол боқувчи. *Сувчилар ариқларни тозаламоқда, молбоқарлар йўнғичқа ўрмоқда.* С. Айний, Қуллар.

МОЛДАВАН Молдавия (Молдова) Республикаси туб аҳолисининг номи. *Молдаван халқи.*

МОЛДАВАНЛАР Молдавия (Молдова) Республикасининг туб аҳолиси (Украина ва Россияда ҳам яшайди).

МОЛДОР [*а.+ ф.* مالدار – бой, бадавлат; чорвадор, чорва эгаси] Моли, чорваси бор. *Молдор киши.*

МОЛ-ДУНЁ, молу дунё Кишининг бутун бойлиги, давлати; мулк. *Юзбошининг мол-дунёси бениҳоя кўп, кечалари уйини ўн иккита мерган қўриқлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МОЛЕКУЛА [*лот.* molecula – кичик масса < moles – масса] Модданинг барча кимёвий хоссаларини намоён қиладиган энг кичик заррачаси. *Ядро нурланишлари моддаларга таъсир қилиб, улар молекулаларининг ўзгарувига сабаб бўлади.* «Фан ва турмуш».

МОЛЕКУЛЯР Молекулага оид; молекула таркибига кирувчи; молекулаларни ўрганишга оид, молекулаларни ўрганиш билан шуғулланадиган. *Молекуляр оғирлик. Молекуляр назария. Молекуляр физика.*

МОЛЁЯР *этн.* Келин туширилган куннинг эртасига келин тушган уйда унинг сепини ёйиш ва хотинларга зиёфат бериш маросими (Баъзи жойларда келин тушишидан олдин ўтказилади).

МОЛИБДЕН [*юн.* molibdos – қўрғошин] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қаттиқ, ялтироқ кумушсимон оқ металл. *Рангли металлургияда вольфрам молибден, кобальт,*

мис, рух.. ва бошқа металл қотишмалари билан ишлатилади. «Фан ва турмуш».

МОЛИК [*а.* مالك – эга бўлувчи, бошқарувчи; эга, соҳиб] *кт. айн.* **эга.** *Катта аҳамиятга молик масала.* ▬ *Отабекнинг.. ёзган хатини ўқиб эшитиш Кумуш учун катта қийматга молик эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МОЛИМАРДУМХЎР *айн.* **мардумхўр.**

МОЛИЯ [*а.* ماليه – пул маблағлари] **1** *иқт.* Мақсадли пул фондларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи; пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, уларни сарф қилиш, ишлатиш тизими. *Молия йили. Молия капитали. Молия тизими.*

2 Бирор шахс, оила, жамоа, муассаса, ташкилот ёки давлат тасарруфидаги пул маблағлари. *Корхона молияси.*

3 *с.т.* Шундай (**молия 1**) ишлар билан шуғулланувчи давлат органи. *Қишлоқ одамларининг айтишича, Исмоилов молиядан яширинча устахона очиб, ясаган буюмларини қиммат баҳога пуллар экан.* Газетадан. *Кира қиляпсан, деб молияга ёзиб беришдан ҳам тоймайди булар.* С. Анорбоев, Оқсой.

МОЛИЯВИЙ Молияга оид, молия жиҳатидан бўлган; пул маблағлари ва уларни тўплаш, тақсимлаш билан боғлиқ бўлган. *Молиявий масала. Молиявий режа.* ▬ *Ўрнимдан турдим-у, бир папка молиявий ҳужжатларни қўлтиқлаб, бошлиқнинг кабинетига югурдим.* Ф. Мусажонов, Совға. *Бунинг натижасида.. мамлакатнинг молиявий қудратига путур етади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

МОЛИЯТ [*а.* ماليّت – пул маблағлари; солиқ] *эск. кт. айн.* **солиқ 1.** *Қиши билан чўлдан ўтин ташиб сотиб, шу молият пулини зўрға тўладим.* С. Айний, Қуллар.

МОЛЙИҒАР *этн.* Тўйдан тахминан 20-30 кун ўтгандан кейин келиннинг ёйилган сепини йиғиш муносабати билан ўтказиладиган хотинлар маросими.

МОЛЛЮСКА [*лот.* molluscus – юмшоқ, юмшоқроқ] Чиғаноқ ичида бўладиган умуртқасиз юмшоқ танли жонивор; кенг тарқалган умуртқасиз ҳайвонлар типи. *Денгиз моллюскалари.* ▬ *Саккизоёқ моллюскаси хавф-хатар туғилганда, ўзидан рангли модда чиқариб, душманидан ўзини ҳимоя қилади.* «Фан ва турмуш».

МОЛ-МАНОЛ, **молу манол** [мол + *а.* منال – эришилган, қўлга киритилган нарса] *эск. айн.* **мол-дунё**.

МОЛ-МУЛК, молу мулк *айн.* **мол-дунё**. *Мол-мулкини мусодара қилмоқ.*

МОЛОТИЛКА [*р.* молотить – «янчмоқ» фл. дан ясалган от] Ғалла янчадиган машина. *Ҳозир трактор ҳайдаётган жойларда у пайтга бориб комбайнлар сузади, пастда, кўчма уй турган ерда эса молотилкалар тақиллайди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

МОЛПАРАСТ [*а.+ ф.* مالپرست – бойликни севувчи; очкўз] Молга, дунёга берилган, фикри-зикри мол бўлган одам; дунёпараст. *«Шунинг ўзи етар» – хаёлидан ўтди унинг. Мунис ўзи молпараст эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

МОЛХОНА Мол боқиладиган, турадиган бино; оғилхона, оғил. *Молхонада охурни тозалаётган Ойнисанинг қулоғига беихтиёр гангир-гунгур овоз эшитилди.* «Саодат».

МОЛЧИ *айн.* **молбоқар.** *Яхшиям ишончли бўрибосарлар бор. Улар бўлмаса, молчиларнинг аҳволига вой деяверинг.* К. Яшин, Ҳамза.

МОЛЬБЕРТ [*нем.* Malbrett – рассом тахтаси, сурат ўрнатиладиган тахта] *снт.* Рассом асар ишлаш жараёнида картина, расм ва ш.к. ни ўрнатадиган, одатда, ёғочдан тайёрланган уч оёқли мослама, таглик.

МОЛҚЎРА *айн.* **қўра 2.** *У хотинлар билан ёнимиздаги молқўрадан сой бўйига гўнг таширди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МОЛ-ҲОЛ Кишининг бисотидаги бор нарсалари. *Шунча мол-ҳол билан кишига бир сиқим туз бера олмаган инсон кўз ўнгимда сўниб қолаётган гулхан кулидек кўринди.* С. Нуров, Дурдона.

МОМА *шв.* **1** Ота ёки онанинг онаси; буви.

2 Кампир. *Равшанбек, моманинг сўзларига ишонмай, ҳуркиб-ҳуркиб борди.* «Равшан».

3 Кампирларга мурожаат шакли. *Чўлларда йиғлайсан бундай минғайиб, Не сабабдан, мома, сочингни ёйиб?* «Алпомиш».

Мома Ҳаво *қ.* **момоҳаво.**

МОМАГУЛДУРАК *шв.* Момақалдироқ. *Ёмғир, ҳар замонда чақмоқ чақилиб, мома-*

гулдурак бўлиб туради. У. Исмоилов, Сайланма.

МОМАТАЛОҚ Қаттиқ калтак зарбидан танада қон талашиб, кўкариб кетган жойлар. *Уни [Аҳмадбекни] худодан қайтган деб таёқ билан саваладилар, баданларини моматалоқ қилиб, қонга буладилар.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Юзлари пачақланган, ҳамма ёғи моматалоқ, сочлари тўзғиган Жўрахон ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

МОМАҚАЙМОҚ 1 Сариқ тўпгулли, шамолда учиб кетадиган тўзғоқ уруғли ўт; қоқиўт. *Эрта баҳор Ёрқиной кўк териб юрарди. У ён-бу ёнга эланиб, отқулоқ, исмалоқ, момақаймоқ қидирарди.* Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда. *У худди биздаги момақаймоқ ёки бўтакўзга ўхшайди.* Газетадан.

2 *кўчма* Юз, бадан тузилиши бўлиқ ва ёқимли кўринишга эга (аёлларга нисбатан). *У момақаймоқ хотинига ҳам қиё боқмасди.* Мирмуҳсин, Умид. *Олчинбекнинг таърифига қараганда, Зубайдахон тенги йўқ момақаймоқ, офатижон эмиш.* К. Яшин, Ҳамза.

МОМАҚАЛДИРОҚ Чақмоқ чақиб, электр разряди – яшин билан кузатиладиган, қисқа вақт давом этадиган атмосфера ҳодисаси; портлаш тўлқини. *Олисда, ғарб томонда, осмонни икки бўлиб чақмоқ чақади, анчадан кейин момақалдироқ гулдурайди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген. *Кечга бориб жала қуйиб, тонг отгунча момақалдироқ гумбурлаб чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ.

МОМЕНТ [*лот.* momentum < movere – силжитмоқ, қўзғатмоқ] **1** Бирон-бир нарса бўладиган, амалга ошириладиган вақт; он, лаҳза.

2 *физ. мат.* Айрим ўлчов, миқдор ва векторлар номи. *Куч моменти.*

МОМИҚ 1 Пахтага ишлов бериш жараёнида толаси ажратиб олинган чигитда қоладиган калта толадан тайёрланадиган майин пахта. *Пахтанинг момиғини аскар болаларнинг ярасига босишибди.* «Ёшлик». *Собира опа кўзгу олдида бир тутам момиқ пахта билан юз-кўзларини артаётган қизига қараб уриша кетди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Умуман, очилган, терилган пахта. *Ҳозир чевар қўллар ҳам, машина бункерлари ҳам лўппак момиқларни мириқиб қамрайдиган дамлар.* Газетадан. *Чаноқларда кўпириб турган оппоқ момиқлар.. қуёшнинг заррин нурида мисоли олмосдек товланади.* Газетадан.

3 Юмшоқ юнг, тивит. *Назокат қоракўл ёқали пальто, момиқ рўмол ўраб олган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

4 *кўчма* Пахтадай оппоқ, юмшоқ, лўппи, момиқдай. *Йигитали тортинг деган маънода Лаълининг билакларидан ушлади.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Гуппа-гуппа ёғар эди момиқ қор.* Ж. Жабборов.

МОМО *юқ. усл.* Мома, она.

МОМОҲАВО [момо + *қад. яҳ.* ҳавво – ҳаёт манбаи] Исломга кўра, Одаматонинг хотини, биринчи аёл ва инсон зотининг онаси (Инжилда Ева номи билан маълум).

МОНАНД [*ф.* مانند – ўхшаш; мос, мувофиқ] *кт.* **1** *айн.* **ўхшаш**. *Ўлкамиз жаннатга монанд.* Ғ. Ғулом. *Мисоли йўқ латофатда мулойим гул баданларда, Такаллум қилсалар монанди йўқ ширин суханларда.* Ҳабибий.

2 Мос, мувофиқ. *Бригада аъзоларидан яна бири исми жисмига монанд Барно Ҳожиевадир.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Ориф отанинг ўзини ёш йигитлардек тутиб, гапга монанд муқом қилишларидан кулишарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

3 (*б.к. с. билан*) *кўм. взф.* Ўхшатиш, қиёс билдиради; каби, ўхшаб. *Қотиллик ҳам қилай майли Отелло монанд.* А. Орипов, Йиллар армони. *Бири юлдуз монанд, бири ой монанд, Келур устозларим чақнаб, ярақлаб.* Миртемир, Ўйлар.

МОНАРХ [*юн.* monarchos < monos – битта, якка + archos – ҳукмдор] Монархия давлатининг бошида турувчи шахс (шоҳ, император, қирол, хон, султон ва ш.к.), ҳукмрон; мустабид; одатда давлат унга мерос бўлиб ўтади.

МОНАРХИЗМ 1 Монархияни давлат тузумининг ягона, энг маъқул шакли деб ҳисобловчи сиёсий йўналиш; монархия шаклидаги бошқарувга тарафдорлик.

2 *айн.* **монархия.**

МОНАРХИСТ Монархизм тарафдори.

МОНАРХИЯ [*юн.* monarchia – якка ҳокимлик] Якка ҳокимиятчилик; давлатнинг олий ҳокимияти якка ҳукмдор – монарх

қўлида бўлган бошқарув шакли ва шундай бошқарув шаклига эга бўлган давлат.

Абсолют (*ёки* **мутлақ**) **монархия** Ҳокимият чекловларсиз, бус-бутун монарх қўлида бўлган бошқарув шакли. **Конституцияли** (*ёки* **конституцион**) **монархия** Монарх ҳокимияти, унинг ҳуқуқлари конституция билан чекланган давлат тузуми.

МОНАРХИЯЧИ Монархия тарафдори; монархист.

МОНАСТИРЬ [*юн.* monasterion – чекка, хилват, одамлардан узоқдаги жой] **1** Тарки дунё қилган христианлар – монахларнинг муайян қоида ва меъёрлар, белгили низомга амал қилиб яшовчи диний жамоаси.

2 Шундай жамоага қарашли черков, тураржой, ер-мулк ва б.

МОНАХ [*юн.* monachos – яккаланган, ёлғиз] Тарки дунё қилиб, монастирда яшовчи диний жамоа аъзоси; роҳиб. *Ибодатхонанинг темир панжарали дарвозаси олдида тўпиғига тушадиган узун қора чакмон кийган икки кекса монах турар эди.* О. Ёқубов, Излайман.

МОНГОЛ *қ.* **мўғул.**

МОНГОЛЛАР *қ.* **мўғуллар.**

МОНЕ [*а.* مانع – ман этувчи, тўсиқ бўлувчи; тўсиқ, ғов] Тўсқинлик, қаршилик қилувчи, ман этувчи нарса ёки шахс. *Ўзидан икки маҳалла нарида бўлган ҳозирги масжид имоматига тайин қилмоқчи бўлган эдилар. Бунга ҳам моне чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Моне бўлмоқ Тўсиқ бўлмоқ, тўсқинлик қилмоқ. *Лекин арзимаган бир нарса моне бўлади-ю, иш пишиб етганда бузилади.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Фотиманинг пахта билан тўлиб-тошган этаги ўз хаёлини давом эттиришига моне бўлди.* С. Айний, Қуллар.

МОНЕЛИК Тўсқинлик, қаршилик қилиш, моне бўлиш, йўл қўймаслик. [*Анвар:*] *Сен билан менинг ҳар тўғрида ҳам очиқ сўзлашмагимизга ҳеч бир монелик бўлмас, деб ўйлайман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Чунки дадаси ўз сўзли, вақти келганда, ҳар қандай монеликни яксон қилувчи забардаст кекса бўлганидан, унинг қизга уйланишига тўсиқлик қилиш мумкин эмаслигини англади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Монелик қилмоқ Тўсқин бўлмоқ, қарши бўлмоқ. *Уй-жой танқислиги яхши мутахассисларни олиб келишга монелик қиляпти.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Наҳотки, ўша муздек чашма суви.. чўл ичкарисига келтирилишига монелик қилсам.* Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари.

МОНЕСИЗ Ҳеч қандай тўсиқсиз. *Кайхусрав ўзининг отлиқлари ва оғир қуролли пиёдаларини дарёдан монесиз олиб ўтгач, дарҳол массагетлар устига юриш бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

МОНЕТАРИЗМ [*лот.* moneta – танга, зарб қилинган пул] *иқт.* Муомаладаги пул миқдори хўжалик шароитини шакллантиришнинг белгиловчи омилидир ва муомаладаги пул массаси ҳажмининг ўзгариши билан ялпи маҳсулот миқдори ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд, деб ҳисобловчи иқтисодий назария.

МОНИЗМ [*юн.* monos – якка, бир] *флс.* Дунёдаги турли ҳодисалар негизида битта ибтидо, ягона субстанция (материя ёки руҳ, жон) ётади, деб ҳисобловчи таълимот; *қиёс.* **дуализм**. *Материалистик монизм. Идеалистик монизм.*

МОНИСТ Монизм тарафдори, издоши.

МОНИСТИК Монизмга оид, монизмга асосланган. *Монистик назария. Монистик дунёқараш.*

МОНИТОР [*ингл.* monitor < *лот.* monitor – огоҳлантирувчи, эҳтиёт қилувчи] *тех.* **1** Белгиланган чегараларда сақланиб туриши лозим бўлган маълум ўлчамларни (мас., бинодаги радиоактив нурланиш даражасини) назорат қилувчи асбоб.

2 Телевизион тасвир сифатини назорат қилувчи мослама; видеоназорат мосламаси.

3 Компьютерда матний ёки график маълумотларни экранга чиқариш учун хизмат қиладиган мослама. *Талабалар топшириқларни бажаргач, уларнинг натижалари мониторда кўрсатилади ва ҳар бир матн баҳоланади.* «Тил ва адабиёт таълими».

МОНИТОРИНГ [монитор + *ингл.* ing – ҳаракат номи қўшимчаси: кузатиш, назорат қилиш] **1** Бирон-бир жараённи унинг кутилган натижа ёки дастлабки тахминга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида доимий кузатиб бориш.

2 Маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини (мас., қабул қилинган қонуннинг бажарилишини) кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболини белгилаш. *Жамоатчилик фикри мониторинги. Атроф муҳит мониторинги.* ▬ *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида махсус Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолият кўрсатади.* «ЎзМЭ». *..Шаҳарда тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши аҳволи мониторинг йўли билан ўрганиб чиқилди.* «Инсон ва қонун».

МОНО- [*юн.* monos – бир, якка, ягона] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи қисми: «бир», «ягона», «ёлғиз» маъноларини билдиради (мас., *моногамия, монография*).

МОНОГАМИЯ [моно.. + *юн.* gamos – қўшилиш, никоҳ] **1** Бир (якка) никоҳлилик; бир эркакнинг фақат бир хотин билан бирга барқарор ҳаёт кечиришидан иборат никоҳ шакли.

2 *биол.* Бир эркак ҳайвоннинг бир ёки бир неча мавсум давомида фақат бир урғочи билан қўшилиши (қушлар ва сутэмизувчилар ўртасида).

МОНОГРАФИК Монографияга оид; монографиядан иборат бўлган. *Монографик тадқиқотлар.* ▬ *Умурзоқов ана шу умумлашмалар ўрнини кенг илмий далиллар билан тўлдирса, фанимиз яна бир монографик асар билан бойиган бўларди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

МОНОГРАФИЯ [моно.. + *юн.* grapho – ёзаман] Бир мавзу, бир масалани ҳар томонлама ёритишга бағишланган илмий асар. *Ҳамза ижоди ҳақидаги монография.* ▬ *Кўп йиллик тадқиқотлар асосида бир қанча монографиялар нашр этилди.* И. Мўминов, Асарлар.

МОНОКУЛЬТУРА [моно.. + cultura – экин; етиштириш] Алмашлаб экишга амал қилмаган ҳолда далада фақат бир хил экинни муттасил етиштириш. *Пахта монокультураси.*

МОНОЛИТ [моно.. + *юн.* lithos – тош] **1** Яхлит тош парчаси; харсанг, шунингдек, яхлит тошдан тарашлаб ишланган иншоот ёки унинг бир қисми.

2 *кўчма сфт.* Жипс, метиндек мустаҳкам. *Монолит бирлик.*

МОНОЛОГ [моно.. + *юн.* logos – сўз, нутқ] Саҳна ёки бошқа адабий асар иштирокчиларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган, жавоб талаб қилмайдиган нутқи. *«Навоий» пьесасидаги Навоий монологи.* ▬ *Кеча шундай қизиқарли ва дўстона вазиятда ўтдики, студентларнинг ўқиган шеърлари, монологлари кишини мафтун этади.* Газетадан. *Кўзи олдида Ғофир монологини айтаётган Аҳмаджон гавдаланди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

МОНОМЕР [моно.. + *юн.* meros – қисм, бўлак] *ким.* Молекулалари ўзаро, бир-бири билан ёки бошқа моддалар молекулалари билан реакцияга киришиб, полимер ҳосил қила оладиган модда (қ. **полимер**).

МОНОПЛАН [моно.. + *лот.* planum – текислик, яссилик; самолёт қаноти] Танаси (фюзеляжи)нинг остида, унинг ҳар икки томонида битта ясси қанот бўлган самолёт (замонавий самолётларнинг асосий тури).

МОНОПОЛИСТ *айн.* **монополиячи.** *Совуқ урушни талаб қилаётган монополистларга қарши ташвиқот олиб бордик.* Газетадан.

МОНОПОЛИСТИК 1 Монополия принципларига асосланган. *Монополистик капитал.*

2 Монополияга оид (*қ.* **монополия 2**). *Монополистик бирлашма.*

МОНОПОЛИЯ [моно.. + *юн.* poleo – сотаман] **1** Иқтисодиётнинг бирон-бир соҳасида танҳо ҳукмронлик; давлат, корхона ёки жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш, савдо, ҳунармандчилик соҳасида фаолият олиб бориши учун берилган алоҳида ҳуқуқи. *Монополияга қарши қонунчилик. Монополиядан чиқариш.*

2 Муайян ишлаб чиқариш ёки унинг катта бир қисмини, шунингдек, бирон-бир товар сотишни ўз қўлига олган йирик хўжалик бирлашмаси (картель, синдикат, трест, концерн ва ш.к.).

МОНОПОЛИЯЧИ 1 Бирор соҳани танҳо монополия қилиб олган, савдо ва ишлаб чиқариш соҳаларида ёки бошқа бирор соҳада жуда катта ҳуқуқларга эга бўлган шахс, ташкилот ёки давлат.

2 Йирик капиталист, ишбилармон; монополистик капитал намояндаси. *Америка монополиячилари.*

МОНОСЕМИЯ [моно.. + *юн.* sema – белги] *тлш.* Бир маънолилик; сўзнинг бир маънога эга бўлиши (Асосан терминлар шундай хусусиятга эга бўлади. Мас., *лексема, фонема* сўзлари).

МОНОСИЛЛАБИЗМ [моно.. + *юн.* syllabe – бўғин] *тлш.* Баъзи тилларда сўз (лексема)ларнинг бир бўғиндан иборат бўлиши (бу хусусият хитой-тибет тиллари учун хос).

МОНОТЕИЗМ [моно.. + *юн.* theos – худо] Фақат битта худога сиғинувчи, биргина худони эътироф этувчи диний эътиқод; якка худолик (мас., ислом дини); *зид.* **политеизм.**

МОНОТЕИСТ Монотеизм тарафдори.

МОНОТЕИСТИК Монотеизмга, якка худоликка оид. *Монотеистик таълимот.*

МОНОТИП [моно.. + *юн.* typos – из, шакл, андоза] Ҳар бир ҳарфни сатр кўринишида айрим-айрим қуйиб, териб берадиган типография машинаси.

МОНОТИПИСТ Монотипда ҳарф терувчи ишчи.

МОНОТИПЧИ *айн.* **монотипист.**

МОНТАЖ [*фр.* montage < monter – кўтармоқ] **1** Машина, ускуна, иншоот ва ш. к. нинг тайёр қисмларини маълум режа, лойиҳа, чизма асосида йиғиш ва ўрнатиш. *Электростанция монтажи. Прокат станогини монтаж қилиш. Монтаж ишлари.*

2 Фильм, адабий ва мусиқий асарлар, расм ва ш. к. нинг парчаларини танлаб олиб, мазмун ва бадиий жиҳатдан бир бутун ҳолга келтириш. *Адабий монтаж.* ▬ *Ҳамма кадрлар суратга олиниб бўлгандан кейин, монтаж даврида – уларни бир-бирига улашда ўша кадрлардан қайси бири яхши чиққан бўлса, шуниси танлаб олинади.* М. Алиев, Комил Ёрматов.

МОНТАЖЁР Монтаж мутахассиси (кинематография ва фотографияда).

МОНТАЖЧИ Монтаж қилувчи, йиғувчи ишчи, мутахассис (*қ.* **монтаж 1**). *Тўрт монтажчи бир кран ёрдамида тўрт хонали уйни бир кунда монтажлаб бўляпти.* Газетадан.

МОНТЁР [*фр.* monteur] Турли-туман электр ускуна-жиҳозларни таъмирлаш, тузатиш бўйича мутахассис. *Премьера. Бугун ҳамма: режиссёрдан тортиб раққосагача, гримчидан тортиб монтёргача ҳаяжонда.* «Ёшлик».

МОНУМЕНТ [*лот.* monumentum – эсдалик, хотира белгиси; ҳайкал < monere – эслатмоқ] Бирор тарихий воқеа ёки буюк шахс шарафига қўйилган катта ҳайкал ёки меъморий иншоот. *Ғалаба шарафига қўйилган монумент.* ▬ *Урушдан сўнг ўша «ажал водийси» деб аталмиш майдоннинг ўртасида снарядлар, бомбалар, миналарнинг парчаларидан улкан ёдгорлик – монумент ўрнатилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

МОНУМЕНТАЛ 1 Ҳашаматлилиги билан катта таассурот қолдирадиган; улкан, салобатли, муҳташам; монументга хос. *Монументал бино.* ▬ *Тақдим этилган лойиҳаларнинг ҳеч қайсиси монументал ҳайкални майдоннинг архитектура ансамбли билан узвий боғлашни тўла уддалай олмаган.* Газетадан.

2 *кўчма* Асосли; мустаҳкам; улуғвор, маҳобатли, муҳташам. *Монументал тадқиқот.* ▬ *Санъатимизда замонавий меъморчилик билан монументал санъат синтези тобора табиий тус олмоқда.* Газетадан.

3 Улуғворлиги билан ажралиб турувчи ва юксак шаклларда ифодаланган. *Монументал ҳайкалтарошлик.* ▬ *Булар деворларга ишланган монументал расмлар ва кошинкорлик безакларида қўлланадиган услуб ва воситалардир.* Газетадан.

МОПАРДА [*ф.* ماهپاره – «моҳпора» (ой-парча, гўзал) с. нинг бузилган шакли] *кт.* Ҳаёли, уятчан. *Ишқилиб, бўйида бўлмаган бўлсин. Вой қиз ўлгур, бало экан, ичидан пишган экан. Афтига қарасанг, шундоқ мопарда, ақлли, ҳушли қизга ўхшаб кўринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МОПЕД [< мо(тоцикль) + (велоси)пед] Енгил икки ғилдиракли, кичик моторли транспорт воситаси; моторли велосипед. *Йигитча магазиндан чиқиб, йўл четида турган мопеди томон бораётганида, Нусратбекка кўзи тушди.* С. Нуров, Нарвон.

МОР [*ф.* مار – илон] *айн.* **илон йили** *қ.* **илон.**

МОРАТОРИЙ [*лот.* moratorius – тўхтатиб турувчи, секинлатувчи] **1** *сиёс.* Муайян мажбуриятларнинг бажарилишини давлат ҳокимиятининг махсус ҳужжатлари воситасида номаълум муддатга ёки бирон-бир

фавқулодда ҳодиса (уруш, табиий офат ва ш. к.) тугагунча кечиктириш, тўхтатиб туриш.

2 *ҳуқ.* Муайян ҳаракатларни давлатлараро келишув асосида ёки бир томонлама тартибда маълум ёки ноъмалум муддатга тўхтатиш. *Ядро қуроллари синови мораторийси.*

МОРГ [*фр.* morgue] *с.т.* Стационар даволаш муассасаларида мурдаларни сақлаш, шахсини аниқлаш, ёриб кўриш учун махсус жиҳозланган бино, хона.

МОРЖ [*р.* < *саам тилидан*] **1** Шимолий Муз океани соҳиллари ва қутб оролларида тарқалган, оёқлари кураксимон, териси қалин йирик сутэмизувчи ҳайвон.

2 *кўчма с.т.* Совуқ, салқин кунларда ҳам чўмилаверадиган киши.

МОРЗЕ: Морзе алифбеси [< Morse (С. Морзе) – америкалик ихтирочи номидан]: Ҳарф ва рақамлар, нуқта ва тирелар билан кўрсатиладиган шартли телеграф белгилари тизими. **Морзе аппарати** Морзе алифбеси ёрдамида сигналлар берувчи энг содда телеграф аппарати.

МОРО: моро бўлсин *шв.* Муборак бўлсин. *Уй билан бўлиб, моро бўлсинга ҳам келолмадим-а.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

МОРОЖНИЙ [*р.* мороженое – музлатилган нарса] Қаймоқ, сут, мева суви ва ш. к. дан музлатиб тайёрланадиган ширин егулик; музқаймоқ. *Шу куни Ҳафиза Ойтўра билан Раънони морожнийга тўйдирди.* Мирмуҳсин, Умид.

МОРС [*нем.* Moosbeere – клюква (қизил нордон мевали бута)] Дарахт ва буталарнинг меваларига шакар қўшиб тайёрланган чанқовбосар ичимлик.

МОРФЕМА [*юн.* morphe – шакл] *тлш.* Ўз маъносига эга бўлган, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган тил бирлиги (мас., *билимли* сўзи уч морфемадан иборат: *бил+им+ли*).

МОРФЕМИКА *тлш.* Морфемалар ҳақидаги таълимот.

МОРФИН, морфий [*юн.* Morpheios – юнон мифологиясида: туш, туш кўриш худоси (маъбуди)] Афюннинг асосий алкалоиди бўлиб, афюндан кимёвий йўл билан ажратиб олинади (табобатда оғриқни қолдирувчи дори сифатида қўлланади). *Касал наркотиклардан бирини, масалан, морфий истеъмол қилган бўлса, аччиқ чой ёки кофе бериш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

МОРФИНИЗМ Гиёҳвандлик турларидан бири, морфинга ўрганиб қолиб, уни қабул қилмай тура олмаслик.

МОРФОЛОГИК Морфологияга оид. *Морфологик таҳлил. Сўзнинг морфологик таркиби.*

МОРФОЛОГИЯ [*юн.* morphe – шакл + logos – таълимот] **1** Одам, ҳайвонлар ва ўсимликлар организмининг шакли ва тузилишини ўрганадиган фанлар мажмуи. *Экспериментал морфология. Одам морфологияси. Ўсимлик поясининг морфологияси. Бактерия морфологияси.*

2 *тлш.* Тил тизимининг бир сўз доирасида грамматик маъноларни ифодалаш воситаларини қамраб олувчи қисми.

3 *тлш.* Грамматиканинг сўз тузилиши (таркиби)ни, сўз доирасида грамматик маъноларнинг ифодаланишини, сўз ўзгартирувчи шаклларни, шунингдек, сўзларнинг сўз туркумлари бўйича гуруҳланишини ўрганувчи бўлими; сўз шакллари ҳақидаги таълимот. *Ўзбек тили морфологияси. Феъл морфологияси.*

МОС [*а.* ماسّ – бир-бирига тегинувчи, уринувчи, алоқадор] **1** Бир-бирига тўғри; ўхшаш, монанд. *Икки севгучи қалбнинг орзулари, ўйлари, қарашлари ҳар масалада ғоят мос келар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Муносиб, лойиқ. *Келин билан куёв бир-бирига жуда мос. Мос номзод(лар).*

3 Тўғри келадиган; лойиқ, боп. *Комбинезон билан резинка этик жуда катта эди, унга [Луқмончага] мосини омбордан топишолмади.* А. Мухтор, Туғилиш.

4 Мувофиқ, уйғун. *Ҳар томондан «витвит», «чиғи-чиғи» деб сайраган қушларнинг турли қўшиқлари сойнинг нашъасига мос бир музика ҳосил қилган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўкраклар оёқларнинг оҳангдош учишига мос диркиллайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Бир турдаги (ўйин қартаси ҳақида). *Қарта мос келди. Мос тушдингиз.*

МОСЛАМА Бирор нарсани бажариш учун хизмат қилувчи нарса, асбоб ва ш. к. *Корхона мутахассислари ишлаб чиққан махсус мослама цехлар ҳавосини фильтрлаб беради.* «Фан ва турмуш». *Ёлғиз культиватор-*

га қўшимча ўрнатилган ер юмшатувчи ғилдиракли мосламани ясаш қанчалар оғир бўлди. «Ўзбекистон қўриқлари». *Лағмон учун угра гидравлик пресс асосида ятилган мосламада кесилмоқда.* Газетадан.

МОСЛАМОҚ Мос қилмоқ, мос, мувофиқ ҳолга келтирмоқ, мувофиқлаштирмоқ. *Шеърни куйга мосламоқ.* ▬ *Ҳамза ўз асарларидаги ҳажвий ролларни кўпинча Юсуфжон акага мослаб ёзарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *-Мардонқул ака, — деди у бошлиқнинг юришига қадамини мослаб.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

МОСЛАШМОҚ 1 Мос ҳолга келмоқ, мос бўлмоқ, мувофиқлашмоқ. *Шароитга мослашмоқ.* ▬ *Улар агрегат ҳаракати ва тезлиги билан мослашиб.. аниқ ишлар эдилар.* Газетадан.

2 *тлш.* Ҳоким сўз шаклига мос шакл олмоқ. *Эга билан кесим шахс ва сонда мослашади.*

МОСЛАШУВ 1 Мослашмоқ фл. ҳар. н. *Шароитга мослашув.*

2 *тлш.* Сўз бирикмаси ёки гапда тобе сўзнинг ҳоким сўз шаклига мос шакл олишидан иборат синтактик алоқа.

МОСЛИК Мос ҳолат, мос эканлик. *Уларнинг ўқувчиларга айтган сўзларида мослик, бир хиллик бўлиши керак.* М. Юсупов, Телевизор ёнида. *Уларнинг [қонунларнинг] ҳуқуқий жиҳатдан етуклиги, умум қабул қилинган талаблар ҳамда қоидаларга мослиги юксак баҳоланди.* Газетадан.

МОСУВО [*а.* ماسواء — ундан бошқа, бўлак] Бутунлай маҳрум бўлган, жудо бўлган, айрилган. *У ҳамма нарсадан мосуво.* ▬ *Уйдан жудо, ердан мосуво..* М. Али.

Мосуво бўлмоқ Айрилмоқ, маҳрум бўлмоқ. *Қайга шошаётир умри равонинг, Не топдинг ва недан бўлдинг мосуво.* А. Орипов. **Мосуво қилмоқ** Айирмоқ, маҳрум қилмоқ. *Уй-жойингдан мосуво қилиб, она шаҳрингдан чўл-биёбонга ҳайдаган бўлса!* Н. Сафаров, Наврўз.

МОТ [*а.* مات — ўлим, ўлиш, ўлдириш; енгилиш] Шахмат ўйинида шоҳнинг рақиб донаси ҳужумидан ҳимоя тополмай қолган ютқизиқ ҳолати. *[Мунажжим: дона суриб] Кишт! Мот!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Мот бўлмоқ 1) мот ҳолатга тушмоқ; ютқизмоқ. *Исфандиёр рақибидан мот бўлган шатранжчидек ўсал бўлиб ўтирди.* С. Сиёев, Аваз; 2) мунозара, баҳс ва ш.к. беллашувларда енгилмоқ, мулзам ҳолатга тушмоқ. *..тахмини тасодифан тўғри чиқиб қолса, унда Маҳмуднинг ўзи мот бўлади-ку.* М. Осим, Карвон йўлларида. **Мот қилмоқ** 1) мот ҳолатга туширмоқ (шахмат ўйинида). *Лаганбардор ходим янги шахматчи бошлиқни икки юришда мот қилди.* Газетадан; 2) баҳс, мунозара кабиларда рақибини енгмоқ. *Лекин кўп вақт дўкондор ошнасини бир гап билан мот қилиб қўйганини кўпиртириб мақтанади.* Мирмуҳсин, Умид. **Мотга тутмоқ** Гап-сўзидан илинтириб (тўхтатиб) устун келишга, «мот қилиш»га ҳаракат қилмоқ. *Шошманг, Муса ака, бу гапни аъзолар ўртасига ташлаб олайлик, қани, умумий мажлис нима дейди, — Низомиддинов Мусани мотга тутмоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

МОТАЛЧИ [*р.* мотальщик — ип ўровчи, калаваловчи] Пиллакашлик фабрикаларида калавалаш цехи ишчиси, ипни ўраб калаваловчи. *Моталчилар орқасида кузатиб юрган бригадир ғалтакларни кўздан кечирар экан..* Газетадан. *У янги ишга келган моталчиларга амалий ёрдам берарди.* Газетадан.

МОТАМ [*а.* مأتم — дафн маросими; аза йиғини] **1** Яқин ёки мўътабар кишининг ўлими туфайли юзага келган қайғули ҳолат; азадорлик ва шу муносабат билан боғлиқ бўлган маърака, таъзия, расм-русмлар (қора кийиш, байрам қилмаслик ва ш. к.). *Мотам байроғи. Мотам либоси. Мотам мажлиси. Мотам марши.* ▬ *Акасининг дарди билан тўлган қалби учун, яқиндагина ўлган онасининг мотами ўз кескинлигини бир даража йўқотган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамза ўлдирилган. Шоҳимардонда мотам эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Музаффар зотларга мотам ножоиз, Уларнинг ҳаққидир фақат ифтихор.* А. Орипов.

2 *кўчма* Қаттиқ ташвиш, қайғу-аламли ҳолат. *Қайнатанинг Гулнорга уйланиш нияти улар учун катта мотам бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Мотам тутмоқ Мотам ҳолатида бўлмоқ, шундай ҳолатни кечирмоқ. *Унинг назарида, бутун Ҳирот қора ридога ўралиб, мотам тутаётгандай.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Сен*

кетганга мотам тутиб, йиғлашади бутун шаҳар. «Баҳром ва Гуландом».

МОТАМДОР [*а.*+ *ф.* مأتمدار – мотам ҳолатли, мотам тутган] *айн.* **мотамли 2.** *Марҳум қабрга қўйилгач, мотамдорларнинг алам-армони хиёл совиши шундан экан.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

МОТАМЛИ 1 Мотамга тегишли, мотамга алоқадор. *Мотамли кунлар.* ▬ *Ер чизиб гулхайрилар, Мотамли тўнин кийган замон.* F. Fулом.

2 Мотам тутувчи, азадор. *Аччиқроқ бир сўз айтиб, аламдан чиққим келди-ю, мотамли уй бўлганидан ўзимни босдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

МОТАМСАРО [*а.*+*ф.* مأتمسرا – мотам тутилаётган, марҳум эсланаётган жой] *поэт. айн.* **мотамли.** *Саломатнинг ранги сарғайган, гўё энг яқин кишисини қабрга қўйиб келаётгандек мотамсаро бир қиёфада эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шу пайт ҳовлига мотамсаро либосдаги пучуқ қиз кириб келди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Хотира майдонида – мотамсаро она ҳайкали, бу ерда – бахтиёр она сиймоси. Ҳар икки ҳолатда, икки улуғ рамзда улуғ ҳикматлар яширин.* «Шарқ юлдузи».

МОТАМХОНА Мотам тутиладиган жой, мотамли уй.

МОТЕЛЬ [*ингл.* motel < motor – автомобиль + hotel – меҳмонхона] Автосайёҳлар учун мўлжалланган, бир қатор хизмат турларига (техник хизмат кўрсатиш ва ёнилғи қуйиш станциялари, гаражлар, тўхташ жойлари ва б. га) эга бўлган меҳмонхона.

МОТИВ [*фр.* motif – куй, оҳанг] **1** *ад.* Сюжетнинг таркибий унсури, асарнинг асосий мазмуни, мавзуи. *Достоннинг мотиви.* ▬ *Ана шу композицион бағрикенглик, биринчи навбатда, Шайхзоданинг ягона бир мотиви – пояма-поя ривожлантириш санъатида кўринади.* «ЎТА».

2 *мус.* Куйнинг энг кичик қисми. *Мотивда битта акцент бўлади.*

МОТИГА [*р.* мотыга – сихмола, ғалтакмола] Ерни, ўсимлик, экин остини юмшатиш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик асбоби, мослама. *Қатқалоқнинг олдини олиш учун мотигаларни ишга солиб, қатор ораларини сифатли юмшатайлик.* Газетадан.

МОТКА [*р.* матка – она] *с. т.* Қарта ўйинида: хотин киши расми солинган, катталикда учинчи ўринда турадиган қарта.

МОТО- [*лот.* motor – ҳаракатга келтирувчи] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми: 1) мотор, моторли; 2) моторлаштирилган; 3) мотоциклга алоқадор каби маъноларни билдиради.

МОТОБОЛ [мото.. + *ингл.* ball – коптоқ, тўп] Катта тўп билан мотоциклда ўйналадиган, футболга ўхшаш жамоавий спорт ўйини.

МОТОДРОМ [*р.* мото.. + *юн.* dromos – югуриш жойи, югуриш] Мотоцикл мусобақаси ва синови ўтказиш учун махсус жиҳозланган жой, майдон.

МОТОКРОСС [мото.. + *ингл.* cross – кесиб, ўртасидан ўтмоқ] Паст-баланд, ўнқирчўнқир йўлларда ўтказиладиган мотоцикллар мусобақаси. *Мотокросс ўтказмоқ.*

МОТОПОЙГА Мотоцикллар пойгаси, мусобақаси.

МОТОР [*лот.* motor – ҳаракатга келтирувчи] Бирор турдаги энергияни механик энергияга айлантирадиган машина, двигатель. *Трактор мотори. Автомобиль мотори. Моторни юргизмоқ. Моторни ўчирмоқ.* ▬ *Умарали Анорхон билан айтишиб турган чоғда Содиқ сакраб «универсал»га минди, моторни тариллатиб, ишда давом этди.* И. Раҳим, Ихлос. *Сал ўтмай, самолётнинг мотори париллаб, парраклари айлана бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

МОТОРИСТ Моторга қаровчи, уни созловчи, таъмирловчи киши; моторчи. *Уларда [комбинатларда] электриклар слесарликка, слесарлар электрикликка, мотористлар машинистликка ўқишади.* Т. Шарипов, Катта йўлда.

МОТОРЛАШМОҚ Механик транспорт билан таъминланмоқ (қўшин ҳақида). *Моторлашган қисмлар.*

МОТОРЛАШТИРМОҚ 1 Моторлашмоқ фл. орт. н. *Пароходларни моторлаштирмоқ.*

2 Қўшинни транспорт билан таъминламоқ. *Пиёда аскарларни моторлаштирмоқ.*

МОТОРЛИ Мотори бўлган, мотор ўрнатилган. *Моторли қайиқ.* ▬ *Биров катта кўчадан моторли велосипед миниб ўтди. Та-*

риллаган овоз анчагача қулоқларни батанг қилди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

МОТОРОЛЛЕР [*нем.* Motorroller – мотор ёрдамида юрувчи, ғилдировчи] Мотоциклнинг ғилдираги кичик, эгари билан бошқариш механизми ўртасида оёқ қўядиган очиқ жойи бўлган бир тури (юк ташиш учун хизмат қилади). *Сен шу бугундан бошлаб касалхона мотороллери ҳайдовчиси бўлдинг.* Ҳ. Шайхов, Характеристика.

МОТОРСИЗ Мотори йўқ, мотор ўрнатилмаган. *Моторсиз вагон.*

МОТОРСОЗЛИК Мотор ишлаб чиқариш; саноатнинг мотор ишлаб чиқарадиган тармоғи.

МОТОРЧИ *айн.* **моторист.**

МОТОЦИКЛ [мото.. + *юн.* kyklos – доира, ғилдирак] Ички ёнув двигатели билан таъминланган, икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. *Уларнинг ёнгинасидан – тротуарга яқин жойдан мотоцикл гуруллаб ўтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шундоққина беш-олти қадам наридан вариллаганича кажавали «Урал» мотоцикли ўтиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

МОТОЦИКЛЕТ *айн.* **мотоцикл.**

МОТОЦИКЛЕТЧИ *айн.* **мотоциклчи.**

МОТОЦИКЛЛИ Мотоцикли бўлган, мотоцикл минган. *Мотоциклли киши.* ▬ *Танклар орасида пулемётлардан ўқ узиб, мотоциклли солдатлар келадилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МОТОЦИКЛЧИ Мотоцикл минган, мотоцикл ҳайдовчи ёки мотоцикл спорти билан шуғулланувчи шахс. *Аҳмаджон мотоциклчиларнинг қорасини кўриб.. қулай пайт пойлаб турган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

МОХ [*р.* мох – моғор, пўпанак] *айн.* **йўсин** II. *Мох босган сингари кўм-кўк арчазор жарликлар пичоқ билан қирқилгандай тикка тушиб, ўйноқи сойларга этагини солиб ётибди.* А. Мухтор, Туғилиш.

МОХОВ 1 [ماخاو < *а.* محو – йўқ қилиш, четлатиш] Бутун организмни, хусусан, тери, нерв системаси ҳамда ички аъзоларни зарарлайдиган сурункали инфекцион касаллик; шу касалга йўлиққан шахс. *Ҳа, Ботир ака, ҳозир одамлар моховдан ҳазар қилгандек мендан қочишади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 *кўчма с. т.* Расво, ярамас, чатоқ. *Мохов одам. Мохов иш. Ишнинг моховини чиқармоқ.* ▬ *..дод деганда ҳам гап шуки, қийин экин, мохов экин.* Газетадан.

3 Қарғиш билдиради. *Нега жим турибсизлар, уринглар мохов бўлгурни!* К. Яшин, Ҳамза.

Моховга ошна қилмоқ Расвосини чиқармоқ. *Туроб бир куни.. сал насиҳат қилган экан, уни келин олдида моховга ошна қилибди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Якка мохов** Кишиларга аралашмайдиган ёки аралаштирилмай қўйилган одам. *Қўшнилар уни [Бўрибойни] якка моховга чиқариб, на таъзия ва на тўй-ҳашамга айтмай қўйишган.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

МОХОРА Нўхат, гўшт солиб тайёрланадиган бир хил суюқ ош; нўхат шўрва. *Ошхонада кеча тўйдан олиб келган мохора билан палов бор, исроф бўлмасин.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

МОЧА [*ф.* ماچه – ит ёки эшакнинг урғочиси] **1** Урғочи эшак. *Умид билан боқиб юрган оқ куррали мочам қолди.* «Гулихирамон».

2 *айн.* **мочағар.**

МОЧАЛКА [*р.* мочить, мокрый – ҳўлламоқ, ҳўл] Ювиниш учун ишлатиладиган чипта ёки бошқа тола боғлами.

МОЧАХАР *айн.* **моча 1.**

МОЧАҒАР [*ф.* ماچه‌خر – урғочи эшак] Мочага нисбатли ҳақоратни билдиради (аёлларга нисбатан қўлланади). *Анови қишлоқда Чинор деган бир мочағар бор эди.. бир домла билан ўйнашиб юриб, унга тегиб олди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Иложи бўлса, у мочағар билан бошлиғингиз гаплашсин.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

МОШ [*ф.* ماش – мош] Дуккакдошлар оиласига мансуб, бир йиллик дуккакли экин ва унинг овқатга ишлатиладиган, пўсти сабзаранг, ичи оқ дони. *Йўлнинг бир ёғи мош, ловия экилган дала.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Мошни териб, ювиб, совуқ сувли идишга солиб, суст оловда қайнатасиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Кўзини мошдек очмоқ Қилган ишига яраша жазо, танбеҳ билан ўзига келтириб қўймоқ. *Бу икки зарба билан Аъзамнинг кўзини мошдек очди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *-Қиз кўнмаяпти, денглар. Мен эртага*

уларнинг кўзини мошдек очиб қўяман, — деди Тансиқ. Ойбек, О.в. шабадалар. **Мош еган хўроздай** Юз-бети семиз, қип-қизил. *Мош еган хўроздай ошпазлар қозон бошида куймаланмоқда эдилар.* Ойбек, Навоий. **Моши очилмаслик** Келиша олмаслик, бир фикрда бўла олмаслик. *Лекин битта «лекин»и бор-да. Шу раис билан ҳеч мошим очилишмайди, — деди Йўлдош.* Газетадан.

МОШАК Балиқчилар туркумига мансуб қушларнинг бир тури (бармоқлари орасида сузгич парда бўлмаслиги билан бошқа балиқчилардан фарқ қилади).

МОШ-ГУРУЧ Оралаб оқ тушган (соч-соқол ҳақида). *Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёпган баҳайбат мош-гуруч соқолини қалам билан таради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МОШИН *шв.* Машина**.** *Мошин кўп.. Янги мошинда мунча пахта тераман, деб турганлар ундан кўп.* С. Нуров, Нарвон. *Бир мошин семонни тупканинг тагидан бўлсаям топиб келаман.* М.М. Дўст, Галатепага қайтиш.

МОШКИЧИРИ 1 Мош билан гуручдан пишириладиган қуюқ таом. *Бир лаганда мошкичири олиб кирди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Оқ аралаш, оқ-қора аралаш, мош-гуруч (соч-соқол ҳақида). *Замон ўзини босиш учун мошкичири соқолини ўнг қўли билан бир оз силаб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 *кўчма* Аралаш-қуралаш, аралаш-қуралаш бўлиб кетган. *Иш мошкичири бўлиб кетибди.* ▬ *Болалар адабиёти эса катталарникига қўшилиб, мошкичири бўлиб кетган.* Газетадан.

МОШОВА [*ф.* ماشابه — мошли суюқ овқат] Мош ва қовоқ солиб ёки мош билан жўхори уни солиб тайёрланадиган суюқ таом. *Эрталаб бир ҳовуч мошни бир кафт оқ жўхорининг уни билан бир қозон сувга солиб қайнатиб, унинг номини «мошова» қўйиб, ҳар қайсилари бир косадан ичардилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

МОШПОЯ 1 Мош экинининг пояси. *Мошпояни юлиб олмоқ.*

2 Мош экилган ер. *Мошпояга сув қўймоқ.*

МОШУГРА Мош ва уградан тайёрланадиган суюқ таом. *Қайнатиб берадиган мошхўрда, мошуграсини ҳам тўғриликча пишириб бермай..* С. Зуннунова, Гулхан.

МОШХЎРДА [мош + *ф.* خورده — ейилган, ичилган] Мош билан гуручдан тайёрланадиган суюқ таом. *Кечқурун Саодат кампир дўппидай ўчоқ олдида чўққайиб, мошхўрда қайнатаркан, Йўлчи кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МОЯ I Урғочи туя. *Бир қари нор пўпаклини кўрдингми? —Бизнинг элда қолган учта мояси.* «Нигор ва Замон».

МОЯ II [*а.* مايه — хамиртуруш, ачитқи; зардоб; манба; маблағ] *кт.* Бирор нарсанинг асосини ташкил қилган модда, асос бўлган нарса; ўзак; бирор гуруҳнинг, жамоанинг асосини ташкил қилган шахслар. *У* [*Абдураҳмон*] *кутган асосий моялар, яъни мударрис, пешволар.. зиёратчилар орасида кўз оғриғи учун ҳам кўринмадилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МОЯК 1 Товуқнинг тухум қилиши керак бўлган ерга қўйиладиган тухум ёки тухумга ўхшаш нарса. [*Фотима:*] *Келинпошша, товуқларингизга мояк қўйдингизми?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 *шв.* Тухум. *Бир гуруҳ бола мояк уриштиряпти.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

3 Эркакларнинг ёрғоқ ичида жойлашган бир жуфт жинсий бези; уруғдон (сперматозоид ва эркаклар жинсий гормони ишлаб чиқаради).

МОЯНА [*ф.* ماهانه — ҳар ойдаги; ҳар ойлик (иш ҳақи, нафақа)] *с. т.* Маош. *Бир ойлик мояна. Мояна олмоқ. Мояна тўламоқ.*

МОЯНАЛИ Мояна берадиган, мояна тўлайдиган. *Қани энди мен ҳам сиз қатори моянали бир ишга кирсам.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

МОЯНАХЎР [мояна + *ф.* خور — еювчи] *кам қўлл.* Фақат мояна, ойлик билан ҳаёт кечирувчи.

МОҒОР 1 Туриб қолган нарсаларда ёки зах ерларда микроскопик замбуруғларнинг тўпланишидан ҳосил бўладиган ва нарсаларни чиритадиган момиқсимон туклар; пўпанак. *Китоб варақларидан зах ва моғор ҳиди анқир эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *кўчма* Кир, кир босган. *Тешабой юрагидаги ғашлик моғорини шу пўписа билан ювди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бошида титилиб кетган моғор дўппи.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Моғор босмоқ Моғор қопламоқ; пўпанакламоқ. *Моғор босган нон.* ▬ *Сой суви.. юзини моғор босиб, чармдек қотиб кетган безбет харсангларга қарши олиша-олиша, бутун ғазабини уларнинг устига тўкади.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Сидиқжон*] *Нега қишлоқда бўлиб ўтган ва бўлиб ўтаётган ишларга кўзини каттароқ очиб қарамапти? Ақлини моғор босгани шудир-да!* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари. *Нахотки Аҳмаддек навқирон йигит мана шу.. миясини занг, вужудини моғор босаётган кимсага бас келолмаса?!* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МОҒОРЛАМОҚ *айн.* **моғор босмоқ** *қ.* **моғор.** *Нон моғорлаб кетибди.* ▬ *Унинг азалий мудроқ, моғорлаган шуурига тароватли бир тўлқинлар, зиёлар сочилмоқда.* С. Сиёев, Аваз. *Шундоқ гўзал шаҳримизда моғорлаб ётган одамлар ҳам бор экан-да!* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси. *[Ўрмонжон:] Аввало Зуннунхўжанинг сандиғида ётиб, ақлинг моғорлаб кетганидан кулгин!* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари.

МОҲ [*ф.* ماه، مه — ой] *поэт. айн.* **ой.** [*Гули:*] *Оҳ.. Қуёшдин нур олиб кулган каби моҳ, Кулардим сўнгги бор, у келса мен ҳам.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Кўкда моҳ аста кезар.* Э. Воҳидов.

Моҳи тобон (*ёки* **мунаввар, анвар**) Равшан нур сочувчи ой (гўзалларнинг сифати). *Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун.* Ҳамза. *Ҳар бирлари бир моҳи мунаввар қизлар.* Ҳабибий. *Олиб борсак, кўрар ул моҳи анвар.* «Муродхон».

МОҲАЗАР [*а.* ماحضر — барча бор нарса; тайёр таом] *эск. кт.* Тайёр, ҳозирланган таом. *-Нега турдингиз. Чой, нон моҳазар. -Раҳмат, тақсир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..дастурхон солиниб, моҳазар келтирилди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Бир косадан совуқ сувни олдимизга қўйиб, моҳазарни тушира кетдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

МОҲИЁНА [*ф.* ماهيانه — ҳар ойлик иш ҳақи] *эск. кт. айн.* **маош.** [*Анвар*] *Уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолик қилиб, неча тилло моҳиёна олар эмиш.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МОҲИР [*а.* ماهر — маҳоратли, малакали, уста; чаққон] Юксак маҳоратга эга бўлган, маҳорат қозонган; уста. *Моҳир сувчи. Моҳир ёзувчи. Моҳир ташкилотчи.* ▬ *Шогирд қанча моҳир бўлса, қувонар устод.* Ғ. Ғулом. *Тўғри, кексаларимиз деҳқончиликда жуда моҳир..* Ойбек, О.в. шабадалар.

МОҲИРЛИК Юксак маҳоратга эгалик; маҳорат. *Турли миллат жангчилари Жўрахоннинг жасорати ва моҳирлигидан қойил қолганлигини сўзлаб бердилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Бульдозерни моҳирлик билан бошқариш, иш унумдорлигини кўзлаб меҳнат қилиш бўлакча экан.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МОҲИРОНА Маҳорат билан, моҳирлик билан. *Моҳирона хомток қилинган новдалар, сийрак япроқлар оралаб ерга танга-танга қуёш нури ёғилади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Мен ҳам уни [Пиракни] моҳирона рақс қилиши билан таҳсинлаб мақтадим.* С. Айний, Эсдаликлар.

МОҲИЯТ [*а.* ماهيّت — ҳақиқат, ҳар нарсанинг асли, туб-негизи] **1** Бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз. *Моҳият — нафақат Бухоро ўлкасини, балки Туркистон, Хоразм, Фарғона музофотлари, алқисса, икки дарё оралиғини ёвдан озод этишдан иборат!* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Рихсивой, чамамда, чўлқуварларнинг улкан ишининг моҳиятига тушунмаяпти.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 *флс.* Нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли-туман хоссаларини ва муносабатларини яхлит акс эттиради. *қиёс.* **ҳодиса.**

МОҲТОБ [*ф.* مهتاب — ой нури, ойдин] Ёритиб турувчи ой; ойдин. *Сутдай оппоқ моҳтоб кечада оқ кийим остида келувчининг кимлигини аниқлаш мумкин эмас экан.* С. Айний, Эсдаликлар. *Кун чекиниб, моҳтоб чиқади, Чечаклар ҳам ярқирар алвон.* М. Шайхзода.

МУАЗЗАМ [*а.* معظّم — машҳур, донгдор; буюк, улуғ] **1** *кт.* Азим, улкан, улуғвор. *Муаззам шаҳар. Муаззам иншоот.* ▬ *Юксак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муаззам яшил чодир ясаган.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Пишканик муаззам таъзияхонани эслатарди. Қишлоқ аҳлининг кайфи бузуқ, ғамнок.* С. Сиёев, Аваз.

2 Муаззам (хотин-қизлар исми).

МУАЗЗИН [*а.* مؤذّن — намозга чақирувчи, азон айтувчи] *дин.* Масжидда азон айтиб, намозга чақирувчи шахс; сўфи. *Ҳаз-*

рат минбардан тушиб, бетига фотиҳа тортгандан кейин, масжид муаззини билан дарвозанинг ёнига бориб турди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МУАЙТАЙ [тайландча кураш, тайландча бокс] Спортчилар (боксдагидек) қўлқоп кийган ҳолда махсус рингда вазн тоифалари бўйича мусобақалашадиган спорт тури. Муайтайда қўл, тирсак, оёқ ва тизза билан зарб бериш, шунингдек, рақибни қучоқлаб йиқитиш мумкин. *Миллатимиз фарзандларининг муайтай бўйича халқаро майдонда ўз обрўйига эга бўлиб бораётгани ҳаммамиз учун фахрли албатта.* Газетадан.

МУАЙЯН [*а.* معيّن – белгиланган, аниқ, аниқланган] **1** *эск. кт.* Тайин этилган, белгиланган, аниқланган. *Бул тақдирни ўшал муайян қатли ом соати етмагунча.. пўшида тутилмоғи маъқулдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Аниқ, тайинли, белгили, маълум. *Муайян давр.* ▬ *Олимхоннинг муайян касби-кори йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кишининг руҳий ҳолати ва иш қобилияти муайян ритмга бўйсунишини одамлар аллақачон пайқашган.* Газетадан.

МУАЛЛАҚ [*а.* معلّق – ҳал қилинмай қолган; тобе, боғлиқ бўлган; осилган, осилиб қолган] **1** Ҳавода, бирор нарсага тегмай, осилмай туриб қолган. *Ҳозиргина дон ортиб ўтган машина орқасидан кўтарилган чанг ҳавода муаллақ туриб қолди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бир бечора сўфитурғай, табиат кашф этган ўхшашликларнинг фарқига етмаётгандай, ҳавода муаллақ туриб вижирлайди.* Н. Фозилов, Оқим.

Муаллақ ошмоқ Сакраб ҳавода оёқни бош томондан ошириб, яна ерга оёқ билан тушмоқ, умбалоқ ошмоқ. *Бирови йиқилди муаллақ ошиб.* «Гулихиромон».

2 На у ёқли, на бу ёқли бўлмаган, аросат ҳолда(ги); аросат. *Бу ҳаммаси ҳаётнинг энг нозик, энг муҳим томонлари эди ва ҳаммаси муаллақ бир аҳволда ётарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *У қаёққа ён босишни билмай, қоқ ўртада муаллақ бўлиб қолди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

МУАЛЛАҚЧИ *эск. айн.* **акробат.** *Аммо муаллақчилардай эпчил ҳаракатлар билан арқонга тирмашиб, катта муз устига ирғиди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

МУАЛЛИМ [*а.* معلّم – ўргатувчи, ўқитувчи; устоз] **1** Дарс берувчи киши; ўқитувчи, педагог. *Математика муаллими. Мусиқа муаллими. Университет муаллими.* ▬ *Синфга муаллим бўлиб киряпсизми ё ўрта асрлар тарихи учун кўргазмали қурол бўлибми?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Фиқҳдан таълим берувчи муаллимнинг маоши 300 дирҳамни ташкил этган.* «Фан ва тумуш».

2 Таълим берувчи, бировга бирор нарса ўргатувчи киши; устод, устоз.

МУАЛЛИМА Муаллим аёл. *Отин буви дейишга тили бормайди.. муаллима деса-чи?* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

МУАЛЛИФ [*а.* مؤلّف – яратувчи, ижодкор, автор] *кт.* Бирор асар, лойиҳа, кашфиёт ва ш.к. ни яратган шахс. *Роман муаллифи.* ▬ *Артист танлашда ҳам фильм муаллифлари томошабин кўнглини топишган.* Т. Тўла, «Ўтган кунлар» ҳақида. *..энг истиқболли лойиҳа муаллифлари деб топилганлар ичида Акбар Қодиров ҳам бор.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

МУАЛЛО [*а.* معلّى – олий, юксак] *эск. кт.* Юксак, олий.

МУАММО [*а.* معمّى – жумбоқли, сирли, ғалати; тушунилиши қийин, бошқотирма; кўр, кўр қилинган] **1** *ад.* Ўзбек мумтоз адабиётида шеърий жанр, поэтик санъат тури. Унда бирор сўз, исм (ёки уларнинг бош ҳарфлари), сана ва б. яшириб берилади. *Навоий муаммолари.* ▬ *[Отам] Муаммо, абжад ҳисоби ва.. баъзи воқеаларни билишга боғлиқ бўлган шеърларни.. кўп биларди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Тушуниб бўлмайдиган, жумбоқли нарса; жумбоқ. *Кумушнинг заҳарли муаммо мактуби бир сира Отабекнинг кўз ўнгидан ўтиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳа, оғайни, дунёда англашилиши қийин бўлган муаммолардан ҳеч бирини севгига тенглаштириб бўлмайди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Ҳал қилиниши лозим бўлган нарса; масала, проблема. *Асарда катта муаммолар кўтарилган.* ▬ *Сув чиқариш муаммоси ҳал бўлиб, техникадан яхши ёрдам кўрсатилса, биз меҳнатдан чарчамаймиз.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Демак, Орол муаммоси давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.* «Фан ва турмуш».

МУАММОЛИ 1 Тушуниш қийин бўлган; сирли, жумбоқли. *Муаммоли гап.*

2 Муаммодан иборат бўлган; проблематик. *Муаммоли масала.*

МУАНБАР [*а.* معنبر – анбар ҳидли, муаттар, хушбўй] **1** Ёқимли ис, яхши ҳид; хушбўй. *Полизлардан анқир муанбар, Боғда бир қиз ясар гулчамбар.* Р. Бекниёз, Мовий тўлқинлар.

2 Муанбар (хотин-қизлар исми).

МУАННАС [*а.* مؤنّث – хотинларга хос нозик, мулойим; хотин жинси] **1** *эск.* Хотин жинси. *Тўрамнинг кўзларига уйқу келмасдан.. кўчаларда кўринган аҳли муаннасларни.. кўздан кечириб ётдилар.* «Муштум».

2 *тлш.* Араб тилида хотин жинсига оид сўз ёки сўз шакли, мас., *муаллима, мураббия, сайёра; зид.* **музаккар.**

МУАРРИХ [*а.* مؤرّخ – тарих ёзувчи, тарихчи] Тарих ёзувчи, тарихчи. *Бу ерда Навоийнинг шахсиятини характерловчи бир нуқтани муаррихлар қайд қилиб ўтадилар.* Ойбек, Навоий. *Заъфарон вараққа кўз нурин тўкиб, Ёдга ҳам оларсиз биз – муаррихни.* Б. Бойқобилов. *Муаррих ал-Мақдисий бизга Хоразмдан олиб чиқилаётган моллар рўйхатини қолдирган.* «Фан ва турмуш».

МУАССАСА [*а.* مؤسّسه – идора, корхона, ташкилот; институт] Хўжалик, савдо-сотиқ ишлари ва ш.к. нинг бирор соҳасини бошқарувчи ёки илмий, таълим-тарбия ишларини олиб борувчи, белгили штат ва маъмуриятига эга бўлган ташкилот. *Давлат муассасалари. Ижтимоий муассасалар. Илмий муассасалар.* ▬ *Мактаб ва мактабгача бўлган муассасалар сони йил сайин ортиб бормоқда.* Газетадан.

МУАССИР [*а.* مؤثّر – таъсир қилувчи; таъсирчан] *эск. кт.* Таъсир қилувчи, таъсирли, ёқимли. *..унинг нур ичида чўмилган сиймосини, ойим, деб хитоб қилгандаги мулойим, беозор ва муассир сўзини яхши кўраман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУАССИС [*а.* مؤسّس – асос солувчи, ташкил этувчи] Таъсис этувчи, асос солувчи. *Бу газетага ким муҳаррирлик қиларкан? Муассиси ким экан? Ўзи қанча чиқаркан?* Газетадан.

МУАТТАР [*а.* معطّر – хушбўй, ўткир ёқимли ҳидли] **1** Ёқимли ҳид сочувчи; хушбўй. *Келди баҳор, наврўзи олам. Гул фаслидир – боғлар муаттар.* Уйғун. *Бутун олам хушбўй, муаттар гулларга бурканиб олгандай.* О. Ёқубов, Каптар.

2 Муаттар (хотин-қизлар исми).

МУАШШАР [*а.* معشّر – ўн марта кўпайган, ўнлик] *ад.* Ҳар бир банди ўн мисрали, бир неча ўнлик бандлардан ташкил топувчи шеър шакли.

МУБОЛАҒА [*а.* مبالغه – кучайтириш, бўрттириш; гипербола] **1** *ад.* Тасвирланаётган ёки таърифланаётган кимса, нарса, ҳодиса ва ш. к. ни ўқувчиларга яққол, таъсирли қилиб етказиш учун уларнинг сифатларини орттириб, бўрттириб кўрсатиш; шу мақсадда ишлатилган сўз, ибора; гипербола. *Ўзбек мумтоз адабиёти муболағаларга бой.* ▬ [*Анвар:*] *Агар менга ҳурмат лозим бўлса, муболаға билан эмас, яна такрор айтаман, бир қариндошингиз қаторида такаллуфсиз муомала қилиш билан бўлсин.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Умуман, бўрттириш, ошириб юбориш; лоф. *Муболаға қилмоқ.* ▬ *Энди гузар ва йиғинларда мулла Обиднинг кучи ҳақида муболаға бошлайдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Анвар жавобни ўқиб завқланди: -Офарин, Раъно, лекин бировнинг устида ортиқчароқ муболаға қилибсан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУБОЛАҒАЛИ 1 *ад.* Муболағадан иборат бўлган, муболағага бой. *Муболағали тасвир.*

2 Бўрттириб, ошириб юборилган; лоф урилган. *Мен у вақтларда отам нақл қилган бу воқеанинг ясама ва ҳаддан ортиқ муболағали эканини сезмай, эшитганимга ишонган эдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

МУБОЛАҒАСИЗ Муболаға қилинмаган, орттирилмаган, бўрттирилмаган. *Муболағасиз гап. Муболағасиз гапирмоқ.* ▬ *Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки.. суғоришни тўғри ташкил этиш мўл ҳосил олишнинг ҳал қилувчи омили бўлади.* Газетадан.

МУБОЛАҒАЧИ Муболаға қилувчи, муболаға билан гапирувчи. *Бир сергапга, бир муболағачига эҳтиёт бўлиш керак.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

МУБОРАЗА [*а.* مبارزه – ўзаро кураш, курашиш; дуэль] *эск. кт.* Кураш, курашиш. *..улар тинчлик учун кураш соҳасида тинмай мубораза қиладилар.* Ойбек, Нур қидириб. *..ишнинг остида узала тушиб ётган син-*

фий муборазани кўришда кўрлик қилдилар. «Муштум».

МУБОРАК [*а.* مبارك – худо марҳамат қилган; хайрли; бахтли] **1** Бахт келтирувчи; хайрли, эзгу, қутлуғ. *[Ҳасанали:] -Кўрайчи, қадамим муборак бўлармикин, – деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Табаррук, муқаддас, азиз. *Бектемир.. халтачани, гўё муборак жойдан келган азиз дўстининг совға-саломи каби, ҳаяжон билан очди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *-Ота, агар муборак тупроғимизда сўнгги инглизнинг шум изини ўчирмасак, Покистон ватанпарварлар учун нопокдир! – деди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Табриклаш, қутлаш ибораси. *Саруполар муборак.* ▬ *[Ўзбек ойим:] Ўғил муборак бўлсин, болам!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўрт йил жафо чеккан ватандош ўртоқ, Бу йилги байраминг муборак энди.* Ғ. Ғулом.

4 Муборак (хотин-қизлар ва баъзан эркаклар исми).

МУБОРАКБОД [*а.+ф.* مباركباد – табриклаш] *кт.* Табриклаш, қутлаш, қутлов. *Муборакбодга бормоқ. Муборакбод учун келмоқ.* ▬ *..бола асраганнинг дарагини эшитган қўни-қўшнилар, узоқ-яқин қариндошлар муборакбодга кела бошлаган эдилар.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Бу сўзларнинг орасида энг ёқимлиси Хонзода бегимнинг муборакбоди бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Муборакбод қилмоқ (*ёки* **этмоқ, айламоқ**) Табрикламоқ. *Анвар девонхона саҳнига етганда, ичкаридан каттадан-кичик мирзо, муншийлар янги бошлиқларини муборакбод қилгали ўринларидан қўзғалдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Маҳмуднинг ҳузурига кириб, уни муваффақият билан муборакбод этди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МУБОРАКНОМА *тар.* Амир ёрлиғи ёки фармони. *Амирдан қозига Шофирконга бориб, янги рўд қазиш ишига раҳбарлик қилиш тўғрисида муборакнома келган.* С. Айний, Эсдаликлар.

МУБОРИЗ [*а.* مبارز – яккама-якка курашувчи] *эск. кт.* Мубораза қилувчи, курашчи. *Оташин мубориз [Навоий] ўзининг ҳақлигига, ўз илғор интилиш ва ғояларининг тўғрилигига ишонган бўлса-да, лекин тўхтовсиз ва аламли мағлубиятининг туб сабабини билмади.* В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихидан. *..ғазалларда жафокаш мубориз-нинг, исёнкор қалб эгасининг руҳий фожиаси равшан кўриниб туради.* «ЎТА».

МУБОШИР [*а.* مباشر – бажарувчи; бошлиқ, назоратчи] *эск.* **1** *айн.* **инспектор.**

2 Бирор ишга бошчилик қилувчи, бошқарувчи, бошлиқ. *Тўйга ўзини мубошир ҳисоблаган, катта Каримовнинг лаганбардорларидан бири унга тўн ёпинтириб, ичкаридан олиб чиқди.* С. Абдулла, Куёвлар, келинлар.

3 *тар.* Солиқ йиғувчи амалдор. *Маждиддин.. солиқларни йиғмоққа киришмоғи кераклигини сўзлади. –Дуруст, мубоширлик чакки иш эмас.* Ойбек, Навоий.

МУБОҲАСА [*а.* مباحثه – муҳокама, мунозара, баҳс; музокара] *кт.* Баҳслашиш, баҳс, мунозара. *Мунозара бирмунча жиддийлашиб, мубоҳаса ҳатто домланинг обрўйига.. тўқинадиган бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ҳафтада бир йиғилиб, диний, илмий масалалар юзасидан мубоҳаса ва мунозара ўтказсак. Сиз бу ишга бош бўлсангиз.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МУБТАЛО [*а.* مبتلى – азоб чекувчи; гирифтор, дучор бўлган] **1** Бирор иллат, касаллик ёки кўнгилсиз воқеага дучор бўлган, учраган; гирифтор. *[Гули:] Нечун туғдинг мени бахти қарони? Балога мубтало мотамсарони?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бидъатга ботган мубталоларни кўролмасман.* «Муштум».

2 Мафтун, шайдо, ошиқ. *Мубталоман парирўга, кўзи бир маст оҳуга.* Я. Маматхонов. *Ёр васлидан тополмас Эркин дилига таскин. Афсус демакдан ўзга у мубтало на қилсин.* Э. Воҳидов.

Мубтало бўлмоқ 1) гирифтор бўлмоқ, дучор бўлмоқ, учрамоқ. *Чамамда, ўртоқ Хўжабеков «фош қилиш» касалига мубтало бўлган кўринади.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) мафтун бўлмоқ. *Лола янглиғ оразингни мен кўриб тасвирда, Мубтало бўлмоқлиғим ёзмиш экан тақдирда.* Ҳамза. **Мубтало қилмоқ** (*ёки* **этмоқ, айламоқ**) 1) гирифтор қилмоқ, дучор қилмоқ, учратмоқ. [*Отабекнинг*] *Умрининг энг қимматли кунларини оғулаган, икки йил бўйи давосиз дардга мубтало қилган ўз онаси эмасмиди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) мафтун этмоқ.

МУБҲАМ [*а.* مبهم – яширин, ноаниқ; шубҳали] *кт.* Муҳмал, ноаниқ; чигал. *Мубҳам жавоб.* ▬ *Ўзи тушуниб етмаган ички ғазаб ва мубҳам фикрлар тумани уни [Умидни] чулғаб ола берди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

МУВАФФАҚ [*а.* موفّق– яхши натижали, ўнгидан келган, омади юришган]: **муваффақ бўлмоқ** Муяссар бўлмоқ, эришмоқ. *Мен сизга кўп дафъа гапирсам ҳам.. мақсадимни ҳали тушунтиришга муваффақ бўлган эмасман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хонга яқин кўриниб, Анварнинг ўрнини олишга муваффақ бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУВАФФАҚИЯТ [*а.* موفقيّت – яхши натижа, эришилган нарса; ютуқ, омад] Бирор ишда эришилган натижа, яхши натижа; ютуқ, ғалаба. *Муваффақият қозонмоқ. Муваффақиятга эришмоқ.* ▬ *Парпихўжа ёғчи пойлоқчилик, чақимчилик ишининг муваффақиятидан ғурурланиб.. сўзлаб бораркан, элликбоши уни тўхтатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Душман қанчалик гангитилса, унинг ўт очиш нуқталари қанчалик емириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунча муқаррар бўлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Латофат кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ёқлаб олди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

МУВАФФАҚИЯТЛИ Муваффақият билан тугаган, муваффақият келтирган, ижобий натижага олиб келган; натижали. *Муваффақиятли ҳаракат. Муваффақиятли иш. Муваффақиятли ҳужум.* ▬ *Республикамиз матбуотида фан ютуқларини тарғиб қилиш борасида муваффақиятли қалам тебратиб келаётган тажрибали журналистларимиз бор.* «Фан ва турмуш».

МУВАФФАҚИЯТСИЗ Муваффақияти бўлмаган; натижасиз, самарасиз. *Муваффақиятсиз иш.* ▬ *Фашистларнинг ҳар галги ҳужуми муваффақиятсиз чиқаверди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК **1** Салбий натижа, натижасизлик. *Ишнинг муваффақиятсизлиги.*

2 Ютқизиқ, мағлубият. *Биринчи муваффақиятсизликдан кейиноқ қўлини ювиб, қўлтиққа урган чемпион бўлмайди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *Беш йигит муваффақиятсизликка учрагандай руҳлари тушиб, уйларига тарқаганларида, тонг ёриша бошлаган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МУВАШШАҲ [*а.* موشّح– зийнатланган, безалган] *ад.* Ҳар бир байтининг биринчи мисралари бош ҳарфи сирасидан шоир қаламга олган шахс номи келиб чиқадиган лирик шеър. *Ғози Юнус.. мадрасага кирди.. фикрида бир ўзгариш бўлиб, мувашшаҳлар ёзди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Комронлик унга етмак, етмаган армон билан. Ким мувашшаҳ битди Эркин кўнглида армон билан.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

МУВАҚҚАТ [*а.* موقّت – муайян вақтга белгиланган; вақтинча, қисқа вақтли] Вақтинчали, доимий бўлмаган. *Мувaққат ҳукумат. Мувaққат иш.* ▬ *Хатни ўқиб бўлганда, унинг кўз ўнги қоп-қора, ўтирган ўрнига ҳам ишона олмас, ҳамма нарса мувaққатдек эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Улар [бинокорлар] баъзан мувaққат баракларда яшашга мажбур бўладилар.* Газетадан.

МУВОЗАНАТ [*а.* موازنت – таққослаш; тенглаштириш; тартибли бошқариш] **1** Жисмларнинг қарама-қарши йўналган тенг кучлар таъсиридаги тинч, турғун ҳолати. *Турғун мувозанат (физ.). Мувозанат сақламоқ.*

2 *кўчма* Қарама-қарши кучларнинг, ҳодисаларнинг тенглашуви, уйғунлашуви туфайли содир бўладиган нисбий турғунлик, осойишталик. *Сиёсий кучлар мувозанати.* ▬ *Аҳмад Собирни исёнкор, ҳаётдаги бир хилликка.. турғун мувозанатга қарши курашчи сифатида тасаввур қилганди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Киши қаддининг тўғри (меъёрий) туриш ҳолати, шундай ҳолатни тутиш имкони. *От қаттиқ кишнаб, сапчиди. Йигитали мувозанатни сақлай олмай, ёнбошига гуп этиб йиқилди.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Бўғинбўғинлари ловуллаб ёнмоқда. Мувозанатини ҳам тутиб қолишга қурби етмаётир.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

МУВОЗИЙ [*а.* موازى – баробар, тенг] *эск. айн.* **параллел**. *Мувозий чизиқлар.* ▬ *..ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш.* Газетадан.

МУВОФИҚ [*а.* موافق – маъқулловчи, мос келувчи, қулай; мақбул] **1** Мос, тўғри келадиган, муносиб, лойиқ. *Ўзига мувофиқ иш топмоқ.* ▬ *Қўқонга чопар юбормоқчи бўлдилар, бу ишнинг мувофиқ кишиси, албат-*

та, Ҳасанали бўлганлигидан чопар бўлиб белгиланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. «*Читтак» деб лақаб қўйган киши Набигулга жуда мувофиқ лақаб қўйибди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Монанд, яраша, мос. *Гапига мувофиқ жавоб.*

3 *(ж. к. билан) кўм. взф.* Биноан, асосан, кўра. *Қонунга мувофиқ. Фармонга мувофиқ. Анъанага мувофиқ.* ▬ *Уларнинг ўзаро писандаларига мувофиқ янги ерлар, чиқариладиган сувлар Тешабойга текин ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Мақсадга мувофиқ Мақсадга, талабга жавоб берадиган, фойдали, ўринли. *Дарсликларга ичиш ва чекишнинг ҳалокатли таъсири ҳақидаги мақоллар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.* Газетадан. *Аҳмад унинг аҳволига кулиб, бирмунча савол беришни мақсадга мувофиқ топди.* Газетадан.

МУВОФИҚЛАШМОҚ *айн.* **мослашмоқ**. *У [Саидий] қишлоққа келганида, дастлаб янги муҳитга мувофиқлашолмай, кўп қийинчиликларни бошдан кечирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МУГУЗ *эск.* Ҳайвон шохи. *Одам тилидан топади, ҳайвон — мугузидан.* Мақол. ▬ *Йирик гавдалари, ҳайбатли мугузлари демасангиз, қўчқорлар танбаллик билан кавш қайтарардилар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Молхонада бир мугузи синган қашқа эчки ҳам бўғилиб маъради.* Ҳ. Ўктам, Навбаҳор. *Мугуз лат еса, туёқ сирқирайди.* Н. Ёқубов, Жон.

Мугуз парда *анат.* Кўз соққасининг устки тиниқ пардаси.

МУДАРРИС [*а.* مدرّس — дарс берувчи; ўқитувчи, муаллим] Мадрасада дарс берувчи киши, мадраса ўқитувчиси. *Катта амакиси Бухоронинг «Хўжа Порсо» мадрасасининг мударриси бўлиб, Абдураҳмон шу кишининг тарбиясига келган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ноиб мударрис олдида сўроқ бераётган муллаваччадай шошиб қолди.* С. Сиёев, Аваз. *Ўртаҳол ҳунарманд ёки мадраса мударриси ўзининг ойлик маошига 2-3 та қўй ёхуд 150-250 килограмм буғдой олиши мумкин бўлган.* «Фан ва турмуш».

МУДАРРИСЛИК Мударрис иши, касби, лавозими. *Бу одам.. Тошкентдаги машҳур Кўкалдош мадрасасига мударрислик қила бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мадрасанинг бош мударрислигига Солиҳ махдум тайинланиб, шул жанобда дарсимни давом қилдирдим.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

МУДДАИЙ [*а.* مدّعى — даъвогар, рақиб] *эск. кт.* Даъво қилувчи; даъвогар.

МУДДАО [*а.*مدّعى — даъво қилинган нарса, талаб; тилак] Кишининг дилидаги мақсад, ният, мурод. *Унинг муддаоси нима?* ▬ *Биринчи бўлиб муддаомни айтдим, фронтга юборишларини сўрадим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Сенинг муддаонг.. марғилонлик келинни ўғлингдан ажратиб юбориш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Айни муддао *қ.* **айни**.

МУДДАТ [*а.* مدّت— давр, вақт оралиғи, муҳлат] **1** Вақтнинг аниқ, бирор иш, нарса учун белгиланган бўлаги. *Ўқиш муддати. Хизмат муддати. Бир йиллик муддат.* ▬ *Хайриятки, шундан сал олдин имтиҳонларни муддатидан олдин топшириб тугатган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Шу йигирма беш кунлик бир муддатнинг ичида у бутунлай одамгарчиликдан чиқа ёзди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман, вақтнинг бўлаги, қисми (унинг қанча вақт эканлиги маълум сўзлар билан ифодаланади). *..дунё қойил қоладиган мадрасани тез муддатда қуриб битиришни ният қилибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Катта майдонга қисқа муддатда ўғит солиб улгуришимизга қўлбола машина-сеялка асқатди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бир йил муддатида у Тошкентга иккинчи марта келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меҳмонлар яна бир неча муддат теплицани айланишди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

Бир муддат Озгина вақт. *Шамси Тўраевич бир муддат сукут сақлаб қолди.* Н. Аминов, Суварак. *Қорамтир тутун бир муддат ичида бурқиб, осмонга ўрлади.* «Саодат».

3 Бирор нарсанинг бажарилиш ёки бўлиш пайти. *Режани муддатидан олдин бажармоқ.* ▬ *У Замиранинг сессияни муддатидан олдин ва «аъло» якунлаганини.. билардИ.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Томошани муддатидан олдин қўйсам — қутулмасам, кеч қўйсам — қутулмасам..* «Муштум».

МУДДАТЛИ Муддатга эга бўлган, бирор вақтга, муддатга мўлжалланган, вақти, муддати чекланган. *Муддатли иш. Қисқа муддатли курс. Узоқ муддатли қарз.*

МУДДАТСИЗ Муддати йўқ; доимий. *Муддатсиз паспорт. Муддатсиз хизмат.*

МУДИР [*а.* مدير – бошқарувчи; идора қилувчи] Муассаса, ташкилот ёки унинг бирор бўлимини ёхуд бирор ишни идора қилувчи, бошқарувчи шахс. *Мактаб мудири. Магазин мудири. Кафедра мудири. Ферма мудири.* ▬ *..буларнинг кўпчилиги раис, мудир, директор дегандек, раҳбарлик ўриндаги хотинлар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

МУДИРА Мудир аёл. *Боғча мудираси. Кутубхона мудираси.* ▬ *Ёқутой мактаб мудираси, қизингизни ўзи ўқитади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУДИРЛИК Мудир иши, лавозими. *Мудирлик қилмоқ. Мудирликдан бўшамоқ.* ▬ *Бобохўжа домла мудирлик вазифасига ўтгандан бери.. қоровул айтганча, димоғидан эшак қурт ёғадиган бўлиб кетган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МУДОМ [*а.* مدام – доимо, ҳамиша; доимий] *кт.* Доим, ҳамма вақт, ҳамиша, тўхтовсиз. *Мудом меҳнат учун пайдо бу қўллардир, бу қўллардир.* Э. Воҳидов. *Зиёкор ўқитувчи мудом порлаб нур бермоғи, ўз зиёсидан ёш авлодни баҳраманд қилиши лозим.* Р. Усмонов, Одобнома. *Шарқдан, ғарбдан, жанубдан мудом «Салом», дея келар меҳмонлар.* М. Шайхзода.

МУДОФАА [*а.* مدافعه – ҳимоя қилиш; ҳимоя, тўсиқ] **1** Жанговар ҳаракатнинг душман кучлари ҳужумини қайтариш, уларга жиддий талафот етказиш, позицияни қўлда тутиб туриш ва ҳужумга ўтиш учун қулай шароит яратиш мақсадида қўлланадиган бир тури. *Душман мудофааси. Мудофаа линияси. Мудофаадан ҳужумга ўтиш.*

2 Душмандан сақланиш, ўзини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ёки ҳозирланган восита ва чоралар мажмуи. *Мамлакатнинг мудофаасини кучайтириш. Душман мудофаасини ёриб ўтиш.* ▬ *Немисларнинг олтиотар миномёти ҳурмоқда. Немис мудофаасининг ўзаги бўлган тепаликда жон асари кўринмайди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Мудофаа қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) душман ҳужумини қайтармоқ, душмандан сақланмоқ. *Полк мудофаа қилиб ётган район устида баъзан душман самолётлари пайдо бўлишини эътиборга олмаганда, урушдан ҳали ҳам дарак йўқ эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) умуман, ҳимоя қилмоқ, сақламоқ. *Туркистон мусулмонларининг ҳуқуқларини мудофаа эта биладиган тўрт-беш арбоби сиёсат етишса, биз учун шараф эмасми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Гангиб қолган Маҳкам ўзини уқувсизгина мудофаа қиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

МУДОФААЧИ Мудофаа қилувчи, ҳимоячи. *Қўрғон мудофаачилари.* ▬ *Омон қолган мудофаачилар томларга чиқиб олиб, ғанимни ўққа тутдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МУДОФЕ [*а.* مدافع – ҳимоячи, мудофаа қилувчи] *кт.* Мудофаачи. *Қўрғоннинг бошдан-оёқ ясов тортган мудофеларига инъомлар улашилиб битди-да, ҳудайчи.. Азизбек қошига келиб қуллуқ қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУДОХАЛА [*а.* مداخله – аралашиш, тиқилиш (бировнинг ишига)] *эск.* **1** Бирор ишга аралашув. *Эрон тамом мустамлака ҳолига қолса керак эди, лекин шўролар ҳукуматининг мудохаласи натижасида бу муоҳада йўқотилди.* Газетадан.

2 *эск. айн.* **интервенция.** *Ғарбий Европа давлатлари шўро давлатига қуролли мудохала қилажак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МУДОХАЛАЧИ Мудохала қилувчи; интервент. *..бегона юртлардан келган мудохалачилар оқизган беҳисоб қонлар чайқалгандай бўлар, кесилган бошлар тилидан гўё нидо эшитиларди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

МУДРАМОҚ 1 Мудроқ босиб, ярим уйғоқ, ярим уйқу ҳолатида бўлмоқ. *Чиғир ёнида мудраб ўтирган чўри унинг овозидан чўчиб уйғониб, йўлига чиқди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шерали шу ҳаяжон ичида мудраб, ниҳоят, ширингина уйқуга кетганини ҳам билмай қолди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *кўчма* Ҳаракатсиз, тинч ҳолатда бўлмоқ (нарсалар ҳақида). *Дарахтлар ҳордиқ чиқаргандай бошини солиб, тонг нурларига кўмилган ҳолда мудрамоқда.* «Шарқ юлдузи». *Тагидаги отнинг шўх қадам олиши ва соғлом бир қудрат билан ўйноқлаши Бобурнинг аъзоларида анчадан бери мудраб ётган ёшлик кучларини уйғотгандай бўларди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МУДРОҚ *сфт.* **1** Уйқу босган, мудраган ҳолатли (*қ.* **мудрамоқ 1**). *Мудроқ кўзлар.* ▬ *Ўша чироқ атрофида жим Уни кутар*

хотини мудроқ. Х. Даврон. *-Ҳа, бир-бир тортсак, маза бўларди, — деди ҳорғин, мудроқ кўзли бошқа бири.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Ҳаракатсиз, тинч, «ухлаган» ҳолатли (нарсалар ҳақида. *қ.* **мудрамоқ 2**). *Қиш бўйи қору ёмғир сувига тўйиб, қорайиб қолган ер мудроқ бир кайфиятда оғир-оғир хўрсинаётганга ўхшайди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Наманганнинг азамат чинорлари мудроқ уйқуда.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги. *Бульдозер асрий мудроқ чўлни уйғотиб, унинг кўксига панжа солди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *от* Уйқу босиб мудраган ҳолат. *Махдумнинг мудроғи қочиб, кўзлари катта очилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Мудроқ босмоқ Мудроқ ҳолат қўзғалмоқ, кучаймоқ. *Аҳмаднинг қовоқлари оғирлашиб, мудроқ босди. У иккала оёғини узатиб, ўзини уйқу ихтиёрига топширди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тўғонбек дам мудроқ босиб, дам сергакланиб ётар эди.* Ойбек, Навоий.

МУДҲИШ [*а.* مدهش– ҳайратда (ҳайрон) қолдирадиган, ажойиб] *кт.* Кишини даҳшатга соладиган, даҳшатли, қўрқинчли. *Мудҳиш хабар. Мудҳиш жиноят. Мудҳиш манзара.* ▬ *Мозор чакалагининг бир бурчагида тутаб ётган тўнка ёнида сочлари ўсиб, соқолига қўшилиб кетган бир девона бу мудҳиш қоронғиликка қарши курашган каби гулханни ёндиришга тиришар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Бу қандай фалокат, қандай мудҳиш фалокат, — деди Ибн Сино йиғламоқдан бери бўлиб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

МУЖАЛЛА [*а.* مجلّه– журнал; даврий нашр] *эск. кт. айн.* **журнал.** *Адабий мужалла.* ▬ *Ҳозир биз хуфия ўқиб юрган газету мужаллаларда ҳам шундоқ фикрлар олдинга сурилади.* К. Яшин, Ҳамза.

МУЖАССАМ [*а.* مجسّم– катта, улкан; катталашган, бўрттирилган] *кт. сфт.* Гавдаланган, мукаммал ва аниқ тус, шакл олган. *Шеърда севги, вафо, ишонч ва ҳаёт мужассам эди.* М. Зайниддинова, Ким эди у, демасангиз айтаман. *Унинг меҳрида оналик ва аёллик фазилати мужассам.* Зулфия. *Ўша шеърда бутун оламнинг Шавқу дарди эди мужассам.* Э. Воҳидов.

Мужассам топмоқ *айн.* **мужассамланмоқ.** *Шундай ишлаки, Асриян, уни қандай яхши кўрганимиз, муҳаббатимиз, бунинг теран сабаблари унинг юзи-кўзида, қарашларида мужассам топсин.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Мужассам этмоқ** Тўла шакллантирмоқ, акс эттирмоқ. *..шахсга сиғиниш ғоясини ўзида мужассам этган Муллаев ва зараркунанда, мансабпараст Халитов сингариларнинг қиёфаларини ҳам кўрсатди.* Газетадан.

МУЖАССАМЛАНМОҚ Мужассам шакли, аксини топмоқ, мукаммал ва аниқ шакл, тус олмоқ; гавдаланмоқ, мужассам бўлмоқ. *Бу ишда бутун жамоа фикри ва ақли мужассамланган.* ▬ *Портретда гўзаллик соҳибасининг мукаммал қиёфаси акс этган, унинг қуйма қадди-қоматида ёшларимизга хос нафосат ва жисмоний баркамоллик мужассамланган.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

МУЖАССАМЛАШМОҚ *айн.* **мужассамланмоқ.** *Бу оилада ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам, обрў, эътибор, коллективчилик мужассамлашган.* Газетадан. *Раиснинг фикрида бутун қишлоқ меҳнаткашларининг орзуси мужассамлашган.* Газетадан.

МУЖГОН [*ф.* مژگان– киприклар] *қ.* **мижгон.** *Қотмадан келган бу қизнинг ўсма қўйилган қайрилма қора қоши тагида ёниб турган чарос кўзи, қора қуюқ мужгони.. бир боқишдаёқ ҳар қандай одамни довдиратиб қўяди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Йиғлайверганидан кўзлари қизариб кетибди. Мужгонларида ёш, юзларида ғам-алам.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

МУЖДА [*ф.* مژده– хушхабар; қувончли маълумот] *поэт. айн.* **хушхабар**. *Зафар муждаси.* ▬ *Бу бахт муждаси эдики, уни эшитиш билан Қамчининг қалбидаги ташвишларнинг бари тонг туманидай енгилгина тарқалди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

МУЖИК [*р.* муж — эр, эркак одам] *с. т. эск.* Рус деҳқони. *-Улар мужик руслар-да, — деб бойга изоҳ берди Ҳожилатиф девонбеги.* С. Айний, Қуллар.

МУЖИМОҚ Кемириб емоқ, тозаламоқ. *Суяк мужимоқ.* ▬ *Бурчакдаги токчада қаттиқ нон мужиб ўтирган сичқонни кўрсатиб ўтилмаса, бу уйда бошқа жонли зот ҳам кўринмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУЖМАЛ [*а.* مجمل — йиғинди; қисқача; қисқа баён, мухтасар сўз; маълумот] **1** Тушуниб бўлмайдиган, ноаниқ, муҳмал,

дудмол. *Мужмал гап. Мужмал жавоб.* ▬ *Газетанинг 14 февраль сонида «Мусобақа ғолиби» сарлавҳали хабар босилди. Унда шундай мужмал сатрлар бор..* Газетадан.

2 Иш, гап, масала кабиларни шартта ҳал қилмайдиган, тайинли фикр билдирмайдиган; ланж. *Баъзи раислар жуда мужмал бўлади. Қўрқоқлигидан ишни пайсалга солади.* Ж. Шарипов, Саодат. *Пайғомов бунақа мужмал одатларни ёқтирмас, шу сабабли.. Нусратбекка бошқа қарамади.* С. Нуров, Нарвон.

3 *с. т.* Мажмағил, нимжон. *..аллақандай нотавон.. мажақланган чумчуқдай мужмал бир нарсага ўхшарди.* К. Яшин, Ҳамза.

МУЖМАЛЛИК 1 Мужмал эканлик. *Гапнинг мужмаллигидан «Ора очиқ бўлибди-да», — деб қўя қолдим.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Мужмал, ланж кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; ланжлик. *-Ҳосил ёмон бўлмас, деб ўйлайман, — деди мужмаллик билан Рихсивой ака.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МУЖОҲИД [*а.* مجاهد — эътиқод учун, муқаддас иш учун курашчи: *айн.* — жиҳод урушининг иштирокчиси] *дин.* Худо йўлида жанг қилувчи киши.

МУЖРИМ [*а.* مجرم — гуноҳкор] *кт.* Айбдор, гуноҳкор.

МУЗ 1 Сувнинг ноль даражагача совиши натижасида қотган ҳолати; ях. *Муз парчаси. Муз ёрмоқ.* ▬ *Қаҳратон қишда яланг оёқ муз босиб, саратонда қизғин қум кечиб.. обдан пишган бизнинг йигитни ҳам.. кун хийла бетоқат қилган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уфққа туташ муз қатламларини тилимлаб, атом музёрар кемаси сузиб бораётир.* Газетадан.

2 Муз каби совуқ. *Унинг бошига муз югуриб, асаблари тиришди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Йўлчи қотган қорни ғарч-ғурч босиб, тоза, муз ҳавони қамраб, кеза бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма с. т.* Жуда совуқ, ёқимсиз нарса, одам ва ш. к. ҳақида. *Суҳбат муз бўлиб кетди. Меҳмонлар ичкиликка зўр беришди.* С. Аҳмад, Гугурт.

4 *от* Совуқ. *..элликка яқин киши бешўнтадан навбат билан кириб-чиққунча, оёғимдан муз ўтиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Муз даври Ер тарихидаги қаттиқ совуқлар бўлиб, қуруқлик юзини қалин муз қоплаган давр. **Муз кўчди** Иш ўрнидан силжиди; юришди. *Муз кўчди, ўртоқ Сафаров, ўрта деҳқон қимирлаб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МУЗА [*юн.* musa] **1** Юнон мифологиясида шеърият, санъат ва фан ҳомийлари саналган 9 маъбуданинг ҳар бири: Урания — астрономиянинг, Каллиопа — эпоснинг, Клио — тарих фанининг, Мельпомена — трагедиянинг, Полигимния — гимн ва пантомималарнинг, Талия — комедиянинг, Эрато — ишқий шеъриятнинг, Терпсихора — рақс ва хор ашуласининг, Евтерпа — лирик шеърият ва мусиқанинг маъбудаси ҳисобланган.

2 *кўчма* Поэтик илҳом манбаи; илҳом париси.

МУЗАЙЯН [*а.* مزيّن — зийнатланган, безатилган] **1** *юқ. усл.* Безалган, безакли. *Боққа кирилгандан кейин.. киши.. музайян қасрдан руҳ олиш ўрнига, билъакс, бир даҳшат ва хавф ҳис эта бошлар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шифтлари музайян, деворлари ўймакар хонага кириб, Ибн Сино.. рангпар кишига таъзим қилди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Музайян (эркаклар исми).

МУЗАККАР [*а.* مذكّر — эркак жинсли] *эск. тлш.* Араб тилида эр жинсига оид сўз ёки сўз шакли, мас., *муаллим, мураббий; зид.* **муаннас 2.**

МУЗАФФАР [*а.* مظفّر — зафар, ғалаба қозонган] **1** *юқ. усл.* Зафар топган, ғалаба қозонган; ғолиб. *Музаффар ўзбек пахтакорлари.* ▬ *Бу оғир фронт йўлларини мардонавор босиб ўтиб, уйига музаффар қайтган паҳлавон жангчи қувончи эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Юсуфбек ҳожи бошлиқ еру кўкка сиғмаган музаффар халқ ўрда теварагини қуршаб тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Музаффар (эркаклар исми).

МУЗАФФАРИЯТ *кт.* Катта зафар, тантанали ғалаба, ғолибият. *Кексалар гузар ва маҳаллаларга тўнкалардан гулхан солиб.. оломонга музаффарият тилайдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Музаффарият билан мағлубиятни тақдир тарозисининг икки палласига солиб кўрмоқ керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

МУЗАФФАРОНА *кт.* Музаффарларга хос йўсинда; ғолибона, ғолибларча. *[Қуш-*

бегига] Қўрбоши музаффарона жавоб берди: -[Отабекни] Тутдим, тақсир. Қутидорни ҳам! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУЗАХОНА *эск. айн.* **музей**. *Уй жиҳозга ғоятда бой, гўё музахона тусини берар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУЗД [*ф.* مزد – хизмат ҳақи, тўлов; мукофот] *эск.* Хизмат хақи. *-Мен ҳам пахтакашлик қилаётирман, – деди тоғам, – ёмон иш эмас. Лекин музди меҳнатига арзимайди.* С. Айний, Эсдаликлар.

МУЗДЕК, -дай 1 Муз каби (*қ.* **муз 1**). *Муздек сирпанчиқ. Муздек ялтироқ.*

2 *айн.* **муз 2.** *Муздек шамол. Муздек айрон. Муздек ҳаво.* ▬ *Уҳовлига ўтиб, тўрдаги мажнунтол тагида шириллаб оқиб турган муздай куз сувида юз-қўлини ювди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Муздек бўлмоқ Ноқулай, нохуш ҳолатга тушмоқ. *Рўзимбой ота бу магазиндан ҳам муздек бўлиб чиқди.* «Муштум». *Уй-жойимга тушди қулф. Ўтган-кетган боқар кулиб. Йўлда қолдим муздек бўлиб. Ўнгимми ё тушим, аттанг.* Т. Йўлдош, Аттанг.

МУЗЕЙ [*лот.* museum < *юн.* museion – музалар ибодатхонаси] Санъат, техника, табиат намуналарини, тарихий ва илмий-табиий аҳамиятга эга бўлган нарсаларни йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва халққа намойиш қилиш билан шуғулланадиган муассаса. *Санъат музейи. Тарих музейи. Ўлкашунослик музейи. Табиат музейи.* ▬ *Халқни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларга юксак савияда таълим беришда музейларнинг роли каттадир.* Газетадан.

МУЗЕЙШУНОС Музейшунослик билан шуғулланувчи мутахассис.

МУЗЕЙШУНОСЛИК Музейлар тарихи, уларнинг ижтимоий вазифалари, музей иши назарияси ва методикаси масалаларини ўрганадиган фан тармоғи.

МУЗЁРАР Қалин қопланган музни ёриб ҳаракатланадиган. *Музёрар, транспорт кемалари ва самолётлар шошилинч равишда сафарга ҳозирландилар.* «Фан ва турмуш».

МУЗИКА [*юн.* musike – музалар санъати] *қ.* **мусиқа.** *Қиз ўн олти ёшгача бу оилада.. ўсади, ибтидоий таҳсил кўради, музикадан ҳам бир оз маълумот олади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Катта залдаги шовқин-сурон, музика, ичимликлар.. ҳиди Йўлчининг бошини айлантирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Карвон жўнади. Юкнинг оғирлигиданми ёки гупчакларнинг ёғсираганиданми, аравалар ғирчиллаб, ўз музикаси ўзи билан жадал бормоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МУЗИКАВИЙ *қ.* **мусиқий 2.**

МУЗИКАЛИ *қ.* **мусиқий 2.**

МУЗИКАНТ *қ.* **мусиқачи.**

МУЗИКАЧИ *қ.* **мусиқачи.** *Ёш музикачини томошабинларнинг салобати босиб, куйни бузмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МУЗИКАШУНОС *қ.* **мусиқашунос.**

МУЗИКАШУНОСЛИК *қ.* **мусиқашунослик.**

МУЗЛАМОҚ 1 Музга айланмоқ, муз ҳосил қилмоқ, муз қопламоқ. *Сув музлади. Ер музлади. Ариқ музлади.* ▬ *Тўсатдан тоғдан совуқ шамол эсди. Билчираб ётган далада ёйилиб юрган қўй-қўзиларнинг туёқлари, жунларига ёпишган лой музлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *..етти разведкачи музлаган дарё устидан билдирмай ўтдилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Қаттиқ совуқ таъсирида қотиб қолмоқ, тўнгмоқ; яхламоқ. *Қўлим музлаб қолди.* ▬ *Опанг ўргилсин.. қўлингни бер! ..Вой, музлаб қолибсан-ку!* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Юраги сиқилган Анвар гоҳ ўтириб, гоҳ ёнбошлаб, совуқда музлаб кетган маҳсили оёғини турли вазиятга солиб кўрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *кўчма.* Ҳис-сезгисиз ҳолга тушмоқ; қотиб қолмоқ. *Қўрққанимдан, бутун вужудим музлаб, тахта бўлиб қолдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МУЗЛИ Музи бўлган. *Музли тоғ. Музли сув.* ▬ *..узоқдаги музли чўққи эрталаб зангори, кундузи кўзни олгудай чарақлаб кўринар эди.* А. Мухтор, Чинор.

МУЗЛИК *геол.* Шароит қулай жойларда қор тўпланишидан ҳосил бўлиб, қия томонга силжиб турувчи муз массаси. *Тоғ музлиги. Зарафшон музлиги.* ▬ *Қутб музликларига швед ва француз крейсерлари йўл олди.* «Фан ва турмуш». *..музликлар остидан чиқаётган сув кичик ирмоқ ҳосил қилиб оқарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

Музлик даври *айн.* **муз даври** *қ.* **муз**.

МУЗЛОҚ Муз билан қопланган ёки музлаб қолган ер. *Тоғнинг оти Музлоқ эди. Бу ном унинг ҳозирги аҳволига унча тўғри*

келмаса ҳам, бир вақтлари музлоқ эканидан ёки музи борлигидан далолат беради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МУЗОКАРА [*а.* مذاكره – муҳокама қилиш, суҳбат; анжуман] **1** Мажлисда муҳокамага қўйилган масала юзасидан ўз фикрини баён қилиш, шу муносабат билан гапирилган нутқ, сўз. *Маъруза юзасидан музокара бошламоқ. Музокарага ўтмоқ.* ▬ *Докладдан кейин қизғин музокара бошланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Музокарага қатнашган ходимлар.. олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ҳақида ўз мулоҳазаларини айтдилар.* «ЎТА».

2 Шарт-шароит, томонларнинг талаблари ҳақида фикр алмашиш. *Сулҳ ҳақида музокара олиб бормоқ. Дипломатик музокаралар.* ▬ *Қудалар ўртасида рўй берадиган англашилмовчиликлар, жанжаллар аксар вақт музокара ва муроса йўли билан ҳал қилинади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУЗОКАРАЧИ Мажлисда музокарага чиққан, сўз олган киши; музокара қатнашчиси. *Навбатдаги музокарачи, зиёлиларнинг ерислоҳотидаги вазифалари.. тўғрисида сўзлаб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МУЗОФОТ [*а.* مضافات] *эск.* Вилоят, область. *Куз охирлашиб, қиш яқинлашган бўлса ҳам, Бухоро музофотининг қуруқ ҳавосида ҳали ёғингарчилик бошланмаган эди.* С. Айний, Қуллар. *Тўрткўл кичик бир қўрғон эди. У тез орада ўсиб, музофот ҳокими турадиган жойга айланди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУЗТАР [*а.* مضطرّ – мажбур бўлган; мажбур қилинган; муҳтож] Изтиробли, ноқулай ҳолатли. *Ҳамма аллақандай мулзам, музтар.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

Музтар бўлмоқ Изтиробли, ноқулай ҳолатга тушмоқ. *Раис кўпчилик олдида музтар бўлиб, «айб бизда», деб қўлини қовуштирганча турарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Уялганимдан томоғимдан ҳеч нарса ўтмади, то тўй жўнатиладиган маҳалгача музтар бўлиб ўтирдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Меҳмонлар ҳам Бўри полвондай музтар бўлиб ўтирди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

МУЗТАРЛИК Музтар ҳолат. *Аҳмаджонга маъюсона боқиб, жавдираб, ҳовли ўртасида ҳайрон ва музтарликда қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

МУЗТОҒ *қ.* **айсберг.**

МУЗХОНА 1 Ёзда роҳатижон тайёрлаш учун муз босиб қўйиладиган ертўла ёки чуқур. *Музхонага муз босмоқ.*

2 Иссиқда бузиладиган маҳсулотларни сақлаш учун ишлатиладиган, ҳавоси сунъий равишда совитиладиган асбоб ёки хона; холодильник. *Гўшт комбинатининг музхонаси. Гастроном музхонаси.* ▬ *Бирлашма консерва ва вино заводлари ҳамда катта музхона қуриб битказди.* Газетадан.

3 Холодильникнинг музлатадиган (музлаткич) хонаси. *Гўштни холодильникнинг музхонасига қўйдим.*

4 *кўчма* Жуда совуқ (уй, жой ҳақида). *Уйингиз музхона экан.* ▬ *Ҳатто, гавдасини қандай қилиб ўрашни билмай уринган Йўлчи жавоб берди: -Уй эмас, музхона бу.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУЗҚАЙМОҚ Қаймоқ, сут, мева суви ва ш.к. дан музлатиб тайёрланадиган ширин егулик, яхна ширинлик. *Музқаймоқ ҳам тўйимли, ҳам ташналикни қондиради.* Газетадан. *Тўрахўжа синфдошларини буфетга таклиф этиб, музқаймоқ, сув, ширинликлар билан меҳмон қилди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

МУК: **мук тушмоқ** 1) оёқларни йиққан ҳолда юзтубан бўлиб ётмоқ ёки бошини жуда қуйи солиб энгашмоқ. «*Жинчироқ»ни пуфлаб, Йўлчи билан Ўроз гулхан теварагида мук тушишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўтар бобо бўсағада мук тушиб илтижо қилди.* С. Сиёев, Аваз; 2) *кўчма* бирор нарса устида қунт билан ўтирмоқ. *Камол.. кейинги кунларда кўп ишлар, иш столида қоғоз устига мук тушиб, тонг оттирар эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Мук тушиб ўқий-ўқий чарчади қўзичоғим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

МУКАЛЛАФ [*а.* مكلّف – солиққа тортилувчи, вояга етган; қимматли] *кт.* Таклиф этилган, чақирилган. *Тўйга биз ҳам мукаллаф.* ▬ *Сизни бундан ҳам сандали иссиқроқ бир ерга олиб бормоқчиман. Иккимиз шу ерга мукаллафмиз.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

МУКАММАЛ [*а.* مكمّل – ниҳоясига етказилган, тўлдирилган, тўлиқ] **1** Ҳар жиҳатдан тўлиқ, камчилиги йўқ; расо, бут. *Мукаммал тўплам. Уч тилни мукаммал билади. Мукаммал билим.* ▬ *Ҳаётни мукам-*

мал қиламан, деб не-не одамлар бош қотирган. С. Сиёев, Ёруғлик. *Рустам отда юриш, найза отиш, қиличбозлик каби ҳунарларни мукаммал ўрганибди.* «Олтин бешик».

2 Такомиллашган, камолотга эришган; етук. *Сенинг қимматли сўзинг, ўткир фикринг мукаммал, Элнинг хотирасида сақланади умрбод.* Ҳ. Расул. *Азизанинг назарида, ҳар томонлама мукаммал, одобли, билимли йигит шу эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МУКАММАЛАШМОҚ Мукаммал ҳолат касб этмоқ, мукаммал бўлмоқ (*қ.* **мукаммал 1, 2**). *Лекин қизнинг ҳусни, ҳасрат оташида товланиб мукаммаллашгани каби, яна ҳам ёрқинроқ, яна ҳам сеҳрлироқ бўлиб кўринди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чала, лекин кўз ўнгида тез юксалиб, мукаммаллашиб, диққатни тортаётган бино теварагида аста айланиб, ҳар чеккани томоша қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУКАММАЛЛИК Мукаммал ҳолатга эгалик, бекам-кўстлик. *Инсон доимо мукаммаллик, баркамолликка интилади.* ▬ *Масал композициясининг мукаммаллиги ундаги ҳаракатнинг қонуний ривожланиши асосида юзага келади.* «ЎТА».

МУКАРРАМ [*а.* مكرّم– ҳурматли, азиз] **1** *кт.* Иззату икром қилинувчи; иззатли. *Худойи таоло инсонни ҳамма жониворлардан азизу мукаррам қилиб яратди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Мукаррам (хотин-қизлар исми).

МУКАРРАР [*а.* مكرّر– такрорланган, икки ҳисса ортган; қайта-қайта] *эск. кт.* Такрорланган, қайд қилинган.

Мукаррар бўлмоқ Такрорланмоқ. *Андак таҳаммул қилган эрдим.. тақ-тақ овози мукаррар бўлди.* «Муштум».

МУКАРРИР [*а.* مكرّر– такрорловчи, қайтарувчи] *эск.* Мадрасада амалий машғулот олиб борувчи муаллим. *Абдураҳмон.. баъзи мадрасаларнинг мударрислари, мукаррирлари билан ҳам танишдир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУККА: мукка тушмоқ 1) *айн.* **мук тушмоқ** *қ.* **мук**. *Тожиддин Қосим оёқларига мукка тушиб ялинган, нола қилган Абдувоҳидни кўтариб турғизди.* Ойбек, Нур қидириб. *Йўловчилар шамолни тўсиб турган қумтепанинг орқасига ўтиб, мукка тушиб ётдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Штаб бошлиғи Йўлдош столга мукка тушиб, нималарнидир чизарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар; 2) бутунлай берилмоқ, таъсирига тушмоқ. *Умрни узайтиришнинг бир неча хил йўллари бор: доимо серҳаракат бўлиш, ортиқча ҳасадгўй бўлмаслик, спиртли ичимликларга мукка тушмаслик..* Газетадан. **Муккаси билан тушмоқ** (*ёки* **йиқилмоқ**) Юзтубан бўлиб йиқилмоқ. *У Тўлқинни яна калтаклайди. Бу маҳал калтак Эъзозхонга ҳам тегиб, у муккасидан йиқилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Махсум пичоқ ушлаган қўлини олдинга чўзганча муккаси билан йиқилди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Комил турган ерида бир чайқалиб, оз бўлмаса, отнинг тагига муккаси билан тушай деди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Муккасидан кетмоқ** 1) *айн.* **мук тушмоқ** *қ.* **мук.** *..ишдан келди дегунча апил-тапил овқатланади-ю, чизишга муккасидан кетади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *У китоб ўқишга яна муккасидан кетди.* Ю. Шомансур, Қора марварид; 2) *айн.* **мукка тушмоқ 2.** *Мол-дунёга муккасидан кетмоқ. Маишатга муккасидан кетмоқ.* ▬ *Хурофотга муккасидан кетган бир қўшним билан.. гаплашиб турган эдик.* «Муштум». *Шамшихол ая ўғлининг ишга муккасидан кетганини кўриб, еган-ичгани жойига тушмайди.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Муккасидан тушмоқ** 1) *айн.* **муккаси билан тушмоқ** *қ.* **мукка;** 2) *айн.* **мукка тушмоқ 2.** *Л. Ленч ўз ҳикояларида.. эскилик сарқитларига муккасидан тушган кишиларни фош қилади.* Газетадан.

МУККАЙМОҚ 1 Бирор иш устида мук тушмоқ. *Баъзилар муккайиб, тошларнинг ғадир-будир бетини ойнадай силлиқлаб ярқиратиш билан машғул.* Ойбек, Навоий.

2 *айн.* **мункаймоқ.** *Зах ҳиди келган кичкина даҳлизда муккайган бир кампир чарх йигириб ўтирар, ёнидаги ўчоқда тезак тутаб ётарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

МУККАЛАМОҚ 1 Юзтубан йиқилмоқ. *Элов тўпни ушлаб олди-ю, муккалаб бориб йиқилди.* Р. Азизхўжаев, Яшил дала.

2 *айн.* **мук тушмоқ, муккасидан кетмоқ.** *қ.* **мук, мукка.** *[Дадажон] Дарсдан кейин далага борганида ҳам, доим қўлида китоб юради. Бирпас бўшади дегунча, китоб устига муккалайди.* Р. Раҳмонов, Одат.

МУКОЛАМА [*а.* مكالمه– сўз юритиш, суҳбат] *эск. кт.* **1** Сўзлашув тили; оғзаки нутқ. *[Абдишукур] Русчада китоб мутолаа қилолмаса ҳам, лекин муколама тилига анча-мунча эпчил.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун бир-бирига сўзлаб бериш. *Муколама ўқилган дарсларнинг маъносини мияга яхшироқ жойлаштириб олиш учун чиқарилган бир қоида.. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МУКОФОТ [*а.* مكافات– тақдирлаш, тўлов; товон пули] **1** Бирон-бир фаолият соҳасидаги алоҳида ютуқлар учун рағбатлантириш шакли (қимматли буюм, пул, медаль, орден ва ш. к.). *Олий мукофот. Давлат мукофоти. Пул мукофоти. Мукофот бермоқ. Мукофот олмоқ. Мукофотга тақдим этмоқ.* ▬ *Ғолиблар махсус мукофотлар билан тақдирланишди.* Газетадан. *Баҳрихон бир қўй билан бир кўйлаклик атлас мукофот олган экан.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Биринчи даражали диплом ва пул мукофоти билан қайтди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Кишининг ўз қилмиши, хатти-ҳаракати учун қайтган қаримта; умуман, совға, тортиқ. *..биздан кейингилар ҳам бу ерга келиб сув ичади – ҳаққимизга дуо қилади. Бундан ортиқ мукофот борми бизга?!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Дунё можаросидан қўл ювмоқчи бўлган бир отага кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуғ мукофотдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар,

МУКОФОТЛАМОҚ Мукофот бермоқ, мукофот билан тақдирламоқ. *Орден билан мукофотламоқ. Илғорларни пул билан мукофотламоқ.* ▬ *Менда бир таклиф бор: бугун Канизакни янги уй билан бирга янги ном билан ҳам мукофотласак..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МУКЧАЙМОҚ *с.т. айн.* **мункаймоқ.** *Ичкаридан мукчайиб қолган дадаси – Иноят оқсоқол чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Узун соқолли мукчайган гадой қиёфасидаги Бек.. қопини ерга қўйди-да, унга ўтирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

МУЛАТ [*исп.* mulato] Оқ танли (европоид ирқига мансуб)лар билан негрларнинг аралаш никоҳидан бўлган авлод, насл.

МУЛЗАМ [*а.* ملزم – мажбур, мажбурият юкланган; ўйинда мағлуб бўлган] Мунозара, баҳс, тортишув ва ш. к. да енгилиб ёки бирор иши, хатти-ҳаракати учун лол, уятли, хижолатли ҳолатда қолган. *Соли отанинг баъзи тенгқурлари, машина ҳақида қалай фикрга келдингиз, дейишса, чол ўзини анча мулзам сезиб, бошини қуйи эгарди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *Мен ҳам маъюс ва мулзам ҳолда, гуноҳкор боладай, ичкарига.. кириб бордим.* «Муштум».

Мулзам бўлмоқ Мулзамлик ҳиссини туймоқ, мулзам ҳолатга тушмоқ. *Боягидай мулзам бўлиб қолишдан чўчиб, ўзини тутди.* М. Мансуров, Ёмби. *Бош инженер мулзам бўлиб, ғулдурашга ҳам ҳоли келмай қолди.* «Муштум». **Мулзам қилмоқ** Мулзам ҳолатга қўймоқ. *Ғанижон қаерга борса, самоварда ҳам худди шу тўғрида гапириб, уни мулзам қилишади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МУЛЗАМЛИК Мулзам ҳолат. *«Мен сизни танимайман, йўлингиздан қолманг», деса, унда нима қилади? Мулзамликнинг оғир тошини кўтариб кета берадими?* Ҳ. Ғулом, Машъал.

МУЛК [*а.* ملك– шахсий бойлик, мол] **1** Ихтиёрдаги, қўлдаги бор мол-дунё, ер-сув, иморат ва б. бойликлар. *Жамоат мулки. Хусусий мулк. Шахсий мулк.* ▬ *[Комилов Қодировга:] Давлат мулкини, халқ мулкини кўз қорачиғидай сақлашимиз керак.* Уйғун, Навбаҳор. *Мадамин отасидан қолган молига мол, мулкига мулк қўшди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Бойлик. *Ойбекнинг қаламига мансуб асарлар аллақачон қардош халқларнинг маънавий мулкига айланган.* Газетадан. *Республика кенгаши қишлоқларни қайта қуришда тўпланган бой тажрибаларни ҳамманинг мулкига айлантириш ҳақида астойдил ғамхўрлик қилмоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ўз аҳамиятини йўқотмайдиган асарлар умумсанъат мулки, халқлар мулки бўлиб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *эск. кт.* Жой, мамлакат каби маъноли сўз билан бирикиб, шу сўз англатган жой, мамлакат, вилоят маъносини билдиради. *Подшоҳ ҳазратлари, мулки Хуросоннинг тақдири ва ҳаёти сизнинг қўлингиздадир.* Ойбек, Навоий. *Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ.* Аваз.

4 *кўчма* Баъзи сўзлар билан бирикиб, шу сўз англатган нарсага тегишлиликни билдиради. *Бу кишининг сеҳрли бўёқларидан*

чиқаётган суратлар гўзаллик мулки. С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ҳусн мулкида киши танҳо бўларми мунча ҳам?* Муқимий.

МУЛК-АМЛОК Бутун мол-мулк, молдунё. *Йигирма жуфтлаб қўш ҳўкиз дейсизми, ўн-ўн бешлаб арғумоқ отлар дейсизми.. ишқилиб, ундаги мулк-амлокнинг ҳисобига чўт билмаган содда деҳқон етолмас экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

МУЛКДОР [*а.+ ф.* ملكدار – мулк эгаси] **1** Мулк субъекти; мулк объектига эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқий тамойиллари асосида мустаҳкамланган ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. *Хоразмда энг катта мулкдорлардан бири ҳам қозикалон эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Хусусий мулкнинг тўла эркинлиги таъминланиб, хўжалик юритувчи субъектлар – мулкдорлар сони кескин кўпайди.* Газетадан.

2 *тар.* Катта ер-сув эгаси; заминдор. *Қадимги мулкдорларнинг ҳосилдор ер ва боғларигина эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш қуроллари ҳам энди батамом колхозга ўтиши лозим эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МУЛКДОРЛИК Катта ер-сувга эгалик.

МУЛКИЙ Мулкка оид; мулк ва унга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган. *Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир.* Газетадан.

МУЛКПАРАСТ [*а.+ ф.* ملكپرست – молмулкни яхши кўрувчи] Мол-мулкка ўч, мулк тўплашга муккасидан кетган. *..ниҳоят очкўз, мулкпараст бўлган.* Ойбек, О.в. шабадалар.

МУЛКЧИ *кам қўлл.* Хусусий мулк эгаси, мулкдор; хусусий мулкка берилган.

МУЛКЧИЛИК Кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган ва тарихан аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабатлар. *Феодалларнинг ер ва сувга бўлган мулкчилиги ғоят кенг тарқалган эди.* Газетадан.

МУЛЛА [*а.* ملّا – ўқимишли, тақводор одам] **1** Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатларида мадраса таълимини олган шахс. *Мадрасани тугатгач, ошиқлар ёр васлига ошиққандек, мулла Абдураҳмон ҳам ўз шаҳрига елиб-югуриб етди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Дин арбоби, уламо. *Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма.* Мақол. ■ *Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир [қарор].* Ҳамза. *Бухоро шаҳрида Мирараб мадрасасининг миён саройида кўп муллалар тўпланишиб, мадрасанинг вақфи тўғрисида гапиришмоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар.

3 *с. т. эск.* Маълумотли, ўқимишли киши. *Айтайлик, менинг хизматкорим мулла бўлдию, оми бўлди – менга бари бир эмасми?* К. Яшин, Ҳамза. *-Ҳа, мулла, чарчамасдан, сиқилмасдан юрибсанми? Мунча озиб кетибсан? – деди қори [Элмуродга].* П. Турсун, Ўқитувчи.

Мулла бўлмоқ 1) ўқиб, маълумотли бўлмоқ, ўқимишли бўлмоқ. *У ўқиб, мулла бўлиб, бирор шаҳарни олиб берармиди менга!* К. Яшин, Ҳамза; 2) таъзирини еб, кўзи очилмоқ. *Қамоқдан жиндак бўлса ҳам «мулла» бўлиб қайтганлигим шу лаҳзада кучини кўрсатди.* Х. Лутфуллаев, Бахти кулган йигит. **Мулла қилмоқ** 1) мадраса маълумотини бермоқ. *-Хўп, қизим, хўп, поччаси боқмаса боқмасин, мен ўзим боқаман, ўқитиб, катта мулла қиламан, – деди Моҳлар ойим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) саводини чиқармоқ, маълумотли қилмоқ; 3) *кўчма* таъзирини бермоқ. *Мавлон Мусаевич ўрнидан турди. Ўзича Зумрадни бир мулла қилиб қўймоқчи бўлди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

4 Ҳурмат юзасидан мурожаатда, гаплашганда, кишининг исмига қўшиб айтилади. *-Дунёнинг иши шунақа экан, мулла Али! – деб уни юпатиб қўйди [Отабек].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лоақал бир кафт тупроқ ташласангиз-чи, мулла йигит!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Мулла жиринг, муллажиринг *с. т.* Пул. *Сенга ўхшаш, менга ўхшаш мойжувози борлар солиқ тўламай қўйса, советнинг ҳамёнига мулла жиринг қаёқдан тушади?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Мулла минган эшакдай** *дағл.* Ўта ювош. *Азиза ҳам эри бир кунмас-бир кун мулла минган эшакдай, ювош тортиб келишини кутиб юрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қамоқда эзилса, мулла минган эшакдай.. бир кунмас-бир кун балки чиқиб келар..* Ойбек, Танланган асарлар.

МУЛЛАБАЧЧА [*а.+ ф.* ملّابچه – мулланинг боласи] *юқ. усл. айн.* **муллавачча**. *Мадрасада уч муллабачча бир бўйра устида ўти-*

риб, мушкул бир масалани баҳслашади. Ойбек, Навоий.

МУЛЛАВАЧЧА 1 Мадраса талабаси. *Бу бой тириклик чоғида вақф унумларини мударрис ва муллаваччаларга ўз қўли билан бериб юрар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Муллаларнинг, уламоларнинг боласи, фарзанди.

МУЛЛАКА [*тўғриси:* **мулла ака**] **1** *с. т.* Ўзидан катта, ўқимишли кишиларга мурожаат формаси. *Мавлонов ўтириши билан Ҳайдарбой шошилиб, бир чойнак чой билан пиёла келтириб, унинг олдига қўйди-да: -Хуш келибсиз, муллака! — деди мулозамат қилиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *шв.* Келиннинг қайнағаси ва ўзидан катта қайниси.

МУЛЛАНАМО Мулла кўринишига эга бўлган, муллаларга ўхшаган. *Гумашта Муҳаммад Расул қирқ ёшга етиб қолган мутавозе, мулланамо киши эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУЛЛО *юқ. усл. айн.* **мулла**. [*Жалолиддин:*] *Улуғ шайх Саъдий яхши айтган: илмига амал қилмайдиган муллодан устига китоб ортган эшак афзал.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

МУЛОЗАМАТ [*а.* ملازمت — бирга бўлишлик, ажралмаслик; бирга эргашиб бориш; қатъийлик] Кишининг кўнглини олиш учун кўрсатилган илтифот; эъзоз-икром, такаллуф. *Меҳмонга мулозамат қилмоқ. Мулозамат кўрсатмоқ.* ▬ *[Ҳатамова] Меҳмонларни хотинларга хос мулозамат ва ширинсўзлик билан кабинетига таклиф қилди.* А. Қаҳҳор, Картина. *[Тўлқинжон] Бор усталигини ишга солиб, илтифот ва мулозаматлар билан қизнинг кўнглини овлай бошлади.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Ақалли кўнгил учун мулозамат ҳам қилишмади.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

МУЛОЗАМАТЛИ Мулозамат қилишни яхши биладиган; сермулозамат, сертакаллуф. *Ҳақиқатан ҳам у ўта мулозаматли, хушчақчақ йигит кўринар эди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

МУЛОЗИМ [*а.* ملازم— керакли; чамбарчас боғлиқ, ажралмас; доим ёнида хизмат қилувчи] **1** *тар.* Ҳокимларнинг, амалдорларнинг ҳузурида уларнинг хизматида бўлган киши. *Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширар, фарзи айнни билмаганларни урдирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энг кейинги извошда икки мулозим билан Абдуваҳоб жўнади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Сарой, маҳкама хизматчиси. -*Қозихонадан бир мулозим келибдир. Полвонда ишим бор дейди, — деб даҳлиздан кирган бола Ўрмон полвоннинг сўзини кесди.* С. Айний, Қуллар.

3 *эск.* Ходим, хизматчи. *Музей мулозими бизга ажойиб бир кашфиётни — Ҳиндистоннинг жуғрофий харитасини кўрсатди.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

МУЛОЗИМАТ *қ.* **мулозамат.** *Арслоннинг бундай мулозиматларни хуш кўрмаслигини пайқаб, нафаси ичида қолди.* Мирмуҳсин, Яширинган куч. -*Мана буни ҳўпланг, онам, — деди чол жойига ўтириб. Меҳриниса бу мулозиматдан бадтар хижолат бўлди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

МУЛОЙИМ [*а.* ملائم— мос, мувофиқ, қулай; одобли, хушхулқ] **1** Қўлга юмшоқ уринадиган, майин. *Мулойим тери.* ▬ *Холжувон ойим.. бадангиналари мулойим.* «Ҳасанхон».

2 *кўчма* Ёқимли ва юмшоқ таъсирли. *Эрталаб ёмғир тинган, ҳаво нақадар мулойим ва оромбахш.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Муҳиддин Юлдузхоннинг мулойим товушида ўз қалбидаги сингари маъноли сезди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 *кўчма* Гап-сўз, хатти-ҳаракатлари ниҳоятда ёқимли ва юмшоқ. *Алихон табиатан оғир, мулойим, камгап йигит эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Нариги қўнишдаги бош чўпон дадасини танир экан, парвона бўлди, бечора. Хотини ҳам бир мулойимки.* С. Анорбоев, Оқсой.

МУЛОЙИМЛАШМОҚ 1 Мулойим бўлмоқ, майинлашмоқ, юмшамоқ. *Тери мулойимлашди. Лой мулойимлашди.*

2 *кўчма* Мулойим бўлмоқ, юмшамоқ (*қ.* **мулойим 2, 3.**). -*Ўтир, онанг овқат олиб келибди, еб ол, — деди у мулойимлашиб.* Т. Малик, Иблис девори. -*Туринг, қизим, — элликбошининг товуши бирдан мулойимлашди, — ота-онанинг бошини букманг.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУЛОЙИМЛИК Мулойим ҳолат, тус, кўриниш. *Юзидан мулойимлик, эрига ито-*

ат, тўғрилик маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси Офтоб ойим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юзидаги истеҳзога ўхшаган жилмайиш ўрнини айёрона мулойимлик эгаллаган эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Холанинг кичкина, ўткир кўзларидаги илиқ мулойимлик сўнди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

МУЛОҚОТ [*а.* ملاقات – учрашиш, кўришиш; қабул қилиш] *эск. кт. айн.* **учрашув; мусоҳаба 2.** *Сўзга чиққанлар бундай ижодий мулоқотларни тез-тез ўтказиб туриш зарурлигини гапирдилар.* Газетадан. *[Пирназар] Болалик ошнаси полвон Қулмуҳаммад билан бўлган ширин мулоқотда яна.. хон зулми ошиб кетаётганидан шикоят қилди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Ёш қалам соҳиблари билан ҳамма жойда: Андижонда, Қўқонда, Наманганда доимий равишда мулоқот олиб бориш лозим.* Газетадан.

Мулоқот қилмоқ Учрашмоқ. *Хуросоннинг барча улуғ зотлари билан мулоқот қилмоққа.. фурсат келган.* Ойбек, Навоий.

МУЛОҲАЗА [*а.* ملاحظه– кузатиш, назорат; изоҳ; фикр билдириш; танбеҳ] **1** Фикран муҳокама юритиш, ўйлаш; *ўй.* *Биз уч оиланинг.. бир-бирига ўхшамаган қисмат-тақдири ҳақида мулоҳаза юритдик, вафодорликни улуғлаб, бевафоликни ранж билан қаламга олдик.* Газетадан. *Унинг [эшоннинг] узоқ мулоҳазадан кейин бир фикрга келган кишидек кўзлари маъноли қисилди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Мулоҳаза юритмоқ *айн.* **мулоҳаза қилмоқ 1.** *Ўроқов садоқат ва дўстлик тўғрисида узоқ, узуқ-юлуқ, аммо баландпарвоз мулоҳазалар юритди.* Й. Шамшаров, Тошқин. **Мулоҳаза қилмоқ** 1) фикран муҳокама юритмоқ, ўйламоқ. [*Элмурод*] *Бир гапни айтишдан илгари ўзича мулоҳаза қилиб кўрар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) андиша қилмоқ, андишага бормоқ. *У* [*Элмурод*] *энди бўйни қисиқ етим эмас. Энди унга мулоҳаза қилиб ўтиришдан кўра бор гапни шартта айтиб, кўнгилни хижолатдан бўшатиш осонроқ.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигиталига бу малол келса-да, очиқ айтишга мулоҳаза қиларди.* Т. Малик, Ажаб дунё. **Мулоҳозага бормоқ** *айн.* **мулоҳаза қилмоқ 2.** *Улар ортиқча мулоҳазаларга бориб турмасдан, шу замоноқ ўпардилар.. мен ўзимни тутдим.* Ойдин, Ҳикоялар.

2 Бирор масала юзасидан билдирилган ёки ўйлаб қўйилган фикр. *Иқтисодий масалага доир мулоҳазалар. Ўз мулоҳазасини баён этмоқ.* ▬ *Аҳмад Ҳусайн қулдан бадтар ожиз, забун, ҳамиша тақдирга итоаткор, ғирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳайрон қолди.* Ойбек, Нур қидириб.

3 *айн.* **андиша 1.** *Мулоҳаза билан иш қилмоқ.* ▬ *Ҳосилот ота Комилжонни койиб бермоқчи ҳам бўлди, тағин раис бу воқеадан хабардордир, деган мулоҳаза билан индамади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МУЛОҲАЗАКОР *айн.* **мулоҳазали 1.** *Пўлатов яхши кўради: ақлли, вазмин йигит.. мулоҳазакор.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Ҳайдаров ўзини мулоҳазакор одам ҳисобларди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

МУЛОҲАЗАКОРЛИК Мулоҳаза билан иш кўриш, иш юритиш. *қ.* **мулоҳаза. 1, 2.**

МУЛОҲАЗАЛИ 1 Мулоҳаза билан иш қилувчи, ўйлаб иш тутувчи, мулоҳаза юрита олувчи; андишали. *Мулоҳазали одам.* ▬ *[Директор:] Абдусамад, менингча, ўғлингиз мулоҳазали бола, у ўз йўлини топиб олади.* О. Толипов, Ким айбдор? *Мирзамуҳаммад Расулович етти ўлчаб бир кесадиган, мулоҳазали, синчков, зукко одам эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Мулоҳаза натижасида вужудга келган, ўйлаб қилинган, айтилган. *Фандан йироқ одамлар улардан ажабтовур гаплар, мулоҳазали фикрлар кутадилар.* Газетадан.

МУЛОҲАЗАСИЗ 1 Мулоҳаза қилолмайдиган, мулоҳаза юритолмайдиган, ўйламасдан иш қиладиган; бемулоҳаза. *Мулоҳазасиз киши.*

2 Мулоҳаза қилмасдан, ўйламасдан қилинган, айтилган. *Мулоҳазасиз гап. Мулоҳазасиз иш.*

МУЛОҲАЗАСИЗЛИК 1 Мулоҳазасиз тарзда иш кўриш, иш юритиш. *Оқсоқ дарвиш Бузрук Эшоннинг мулоҳазасизлигига таъби тирриқ бўлган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Мулоҳазасиз қилинган иш, айтилган гап. *[Юсуфбек ҳожи:] Жуда тўғри айтасан, ўғлим, бироқ онангнинг бир мулоҳазасизлигига бошдаёқ мен лабимни тишлаб қолган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУЛОҲАЗАЧИ *кам қўлл. айн.* **мулоҳазакор.** *Онабиби ҳассос қиз. Гўзалликдан завқ-*

лана билади. Темир бўлса, қуруқ мулоҳазачи. А. Мухтор, Чинор.

МУЛЬТИ- [*лот.* multum – анча, кўп] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсанинг кўплигини, кўп қайтарилиши (карралилиги)ни билдиради.

МУЛЬТИМЕДИА [*ингл.* multimedia < мульти..+ *лот.* media, medium – ўрта, марказ; воситалар, тадбирлар] Ахборот-информация узатишнинг хилма-хил воситалари (матн, овоз, жонлантирилган ва график тасвирлар ва ш.к.)ни қамраб олувчи технология ва шундай технологиядан фойдаланувчи дастурлар ва компьютер воситалари.

МУЛЬТИМИЛЛИОНЕР [мульти.. + миллионер] Кўп миллионли бойлик эгаси.

МУЛЬТИПЛИКАЦИОН *кино* Мультипликацияга оид; мультипликация йўли билан ишланган. *Мультипликацион фильм.*

МУЛЬТИПЛИКАТОР [*лот.* multiplicator – кўпайтирувчи] **1** Бирон-бир механизм ҳаракатини кучайтириш, суюқлик босимини ошириш учун қўлланадиган мослама.

2 Мультипликацион фильмлар учун кадр (расм) лар ишловчи рассом.

3 Бир кассетага бир неча кадрни кетма-кет (изчил) оладиган фотоасбоб.

4 Замонавий макроиқтисодиётда: бир ўзгарувчининг бошқа бир боғлиқ, тобе ўзгарувчига таъсирини (мас., инвестициянинг ўзгариши натижасида даромад, фойданинг ўзгариши) акс эттирувчи коэффициент.

МУЛЬТИПЛИКАЦИЯ [*лот.* multiplicatio – кўпайтириш] *кино* Ҳаракатдаги нарсаларнинг кетма-кет келадиган турли ҳолатларини акс эттирувчи сурат ёки қўғирчоқларни расмга олиш йўли билан фильм тайёрлаш ва шу йўл билан олинган кинофильм.

МУМ [*ф.* موم – асалари ўзи ҳосил қилиб, ўзига уя ясайдиган юмшоқ модда] **1** Ҳайвон ёки ўсимлик маҳсулоти бўлган ёғсимон модда, асосан, юқори ёғ кислоталарнинг мураккаб эфирлари ва юқори молекуляр спиртлардан иборат.

2 Асалари ўзи ишлаб чиқариб, ўзига уя қурадиган сақичсимон юмшоқ модда; ўсимлик ёки ҳайвондан олинадиган шунга ўхшаш моддалар. *Ўсимлик муми. Сунъий мум.* ▬ *Асаларилар асал, мум, елимдан ташқари, ўз организмида заҳар ҳам ишлаб чиқаради.* «Фан ва турмуш». *Шариат Ғиёс дўзахиларга ўхшаганлар қўлида ҳар қанақа шаклга кираверадиган юмшоқ мум.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мум шамли қандилдай қуруқ лаблари, Бир қатор қиз кетар, елкада обкаш.* Ғ. Ғулом.

Мум тишламоқ Оғиз очмай жим қолмоқ, индамаслик. *Алимжоннинг юраги тез-тез уриб, бадани қизишди. «Наҳот мен мум тишлаб ўтирсам» деган фикр унинг хаёлидан ўтди.* Қ. Раҳимов, Ўз касбини севган йигит. *Қозикалон каҳрабо тасбеҳини ўгирганча, мум тишлаб ўтирган эди.* С. Сиёев, Аваз. **Оқ мум** Нефть, торф ва кўмирдан олинадиган оқ ёки сарғиш тусдаги мумсимон модда; парафин. **Қора мум** Қора мойга бошқа моддалар қўшиб тайёрланган сунъий мум.

МУМИЁ I [*а.* مومياء] Физиологик функцияларни кучайтирадиган мураккаб биологик табиий маҳсулот; қояларнинг ёриқларидан сизиб чиқадиган смоласимон модда (Шарқ табобатида асосан синган суякларнинг битишини тезлатиш, меъда яраси ва ташқи нерв фалажини даволаш учун тавсия этилади). *Ўшанда Ҳикмат табиб мошдек мумиё бериб, оёқларини тузатди.* Мирмуҳсин, Умид.

МУМИЁ II [*а.* مومياء] Асосан сувсиз темир оксидидан иборат, кўпинча қизғиш-қўнғир ранг минерал бўёқ.

МУМИЁ III [*а.* مومياء] Махсус кимёвий таркиб билан ишлов бериб, чиримайдиган қилиб қўйилган жасад.

МУМИЁЛАМОҚ Махсус кимёвий таркиб билан ишлов бериб, чиримайдиган қилмоқ (жасадни). *У хаёлот денгизига чўмиб, мумиёланган мурдадек, қилт этмай ўтириб қолди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

МУМКИН [*а.* ممكن – бўлиши эҳтимол; амалга оширса бўладиган; жоиз] **1** Имкони, имконияти бор, бўладиган, амалга ошадиган. *Қани энди ҳаётдаги саноқсиз эҳтимолларнинг барисига жавоб топиш мумкин бўлса.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ундан ўтиб, дарвоза орқали Дишан қалъага чиқиш мумкин.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Капсанчилар.. зиммаларига тушган вазифаларни мумкин қадар тезроқ бажаришга сўз бериб тарқалишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Рухсат этилган, ижозат қилинган; жоиз. *Боришингиз мумкин. Сўрашингиз мумкин.* ▬ *-Шаҳарда чўчқа асраш мумкин эмас, — деди Мукаррам.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *-Ўзи бу ерда ичиш мутлақо мумкин эмас, — деди у овозини пастлатиб.* «Гулдаста».

3 Эҳтимоли бор, эҳтимолдан узоқ эмас. [*Муҳаррир:*] *Йўлдошева йигирма олтинчи йилда.. паранжи ёпиниб юрган бўлиши мумкин, буни ҳозир таъна қилишда ҳеч қандай маъно йўқ.* А. Қаҳҳор, Бек.

МУМКИНЛИК 1 Мумкин эканлик. *Ўз сирларининг Йўлчи томонидан очилиши мумкинлигидан қўрққанлигидан бўлса керак, Нури туҳматни тарқатишга.. ортиқча уринмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с. т.* Имконият, имкон. *[Марям:] Бу кун беш-олти кундан бери сиз билан кўришармиканман, деб кўп интизор бўлсам-да, мумкинлик бўлмади.* Ҳамза, Ким ўғри?

МУМЛАМОҚ Мум суркамоқ, мум билан қопламоқ. *Тикишга янги бошлаган чоғларида мумланган ипнинг бармоқларига ёпишуви.. ғашини келтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУМЛИ 1 Таркибида мум бўлган, муми бор. *Мумли асал.*

2 Мум суртилган, мумланган. *Кўзларига уйқу келган шогирд бола мумли ипни қир-қир чўзиб, қатим тортар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУМСИК [*а.* ممسك– бахил, хасис] Ўтакетган хасис, бахил, зиқна. *Мумсик одам.*

МУМТОЗ [*а.* ممتاز– аъло даражали, машҳур; имтиёзли; сараланган] **1** *кт.* Бирор фазилати, яхши томони билан бошқалардан ажралиб турадиган, афзалликларга эга бўлган; етук, сара. *Ваъдага вафоли, ахлоқда мумтоз, Дўстпарвар, ўз сўзли, ёрига содиқ.* Ғ. Ғулом. *Маҳалладагилар ҳам, мактабдагилар ҳам Комилжонни «одобда мумтоз», дейишади.* «Муштум». *Бу сизнинг куйингиз, устоз Навоий, Ғазал оламида мумтоз Навоий.* А. Исроилов.

2 Муайян миллат ва жаҳон фани, санъати, адабиётида муҳим ўрин тутадиган, миллатнинг шон-шуҳрати ва фахри ҳисобланган; классик. *Мумтоз мусиқа. Мумтоз адабиёт.* ▬ *Шу тарзда Навоий ўзбек мумтоз адабиётида «муншаот» деб аталадиган янги бир жанрни ҳам бошлаб берди.* П. Қодиров, Тил ва эл. [*М. Маматова*] *Айниқса, мумтоз қўшиқларни ижро этишни жон-дилидан яхши кўрарди.* Газетадан.

3 Мумтоз (эркаклар исми).

МУМТОЗЛИК Мумтоз белги, даража, ҳолат; шундай даража, белги, ҳолатга эгалик. *У яратган табиатнинг ранг-баранг лавҳалари кўркамлиги ва мумтозлиги билан кишига эстетик завқ бағишлайди.* «ЎТА».

МУНАВВАР [*а.* منوّر – нур сочиб турувчи; нурли, ёруғ] **1** *кт.* Нур билан ёритилган, нурга тўлган; равшан, ёрқин. *Сахий ёз қуёши оламга нур таратади, қабристон ҳам кўм-кўк, мунаввар.* Газетадан. *Одамзоднинг қуёши, Мунаввар ҳаёт боши Бошланур шу хонадан, Доим уйғоқ онадан.* Г. Жўраева, Иқбол.

Мунаввар қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Нурли, чароғон қилмоқ; ёритмоқ. *Қуёш уфқдан қанчалик юқори кўтарилса, оламни шунчалик мунаввар қилади.* Ҳ. Ғулом, Қуёш монанд ҳақиқат. *Хонани қуёш нури мунаввар этиб турганига қарамай, Румия чироқни ёқди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

2 Мунаввар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

МУНАВВАРЛИК Мунаввар, ёруғ, чароғон ҳолат. *Дарёлар бу ёғдуга мўл, мўл саховат, эҳсонга, Мунавварлик эҳсон айлар қалби қайноқ инсонга.* Э. Охунова. *Дунё нодонлардан холис бўлганда эди, бу олам яна ҳам мунавварлик касб этарди.* Газетадан.

МУНАЖЖИМ [*а.* منجّم– юлдузшунос, астролог] **1** *эск.* Мунажжимлик билан шуғулланган, юлдузларга қараб фол кўрган киши; астролог. *[Навоий Ҳусайн Бойқарога:] Халқнинг тақдирини мунажжимларнинг шубҳали қуръаларига қараб эмас, балки ақл ва идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 *эск. кт. айн.* **астроном.** *Самарқанд-Китоб йўлида ҳазрат Навоий ва буюк мунажжим Улуғбек замонасидан қолган минг йиллик чинорлар ҳали ҳам шовуллаб турибди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МУНАЖЖИМЛИК Айрим кишилар ва халқларнинг тақдирини осмон ёритқичларининг вазиятларига қараб башорат қилиш (фол очиш) билан шуғулланадиган таълимот, касб.

МУНАҚА *с. т.* Бундай. -Ҳ*а, отангизга раҳмат! Гап мунақа бўлади, — деди Юсвали тоға..* П. Турсун, Ўқитувчи.

МУНАҚАНГИ *с. т.* Бундай, бунақанги. *Мунақанги гапни биринчи эшитишим.*

МУНАҚҚАШ [*а.* منقّش —нақшланган; зар билан тикилган] *эск. кт.* Нақшланган, нақшли, нақшдор. *Олтин қандилдаги элликлаб шамларнинг нури билан мунаққаш деворларнинг олтин, кумуш, кўк-қизил гуллари юлдузлардек яшнаб, уйга бир хаёлийлик берар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУНАҚҚИД [*а.* منقّد — танқид қилувчи; танқидчи] *эск. кт. айн.* **танқидчи**. *Бу одам шу кунларда адабиёт майдонида ўзининг танқидлари билан жавлон урган мунаққид Аббосхон эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Асарда мунаққид «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт», «Миллий роман» асарларини илмий баҳолайди ва таҳлил қилади.* Газетадан.

МУНГ *кт.* Ҳазинлик, маъюслик. *Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас, ҳамиша унинг кўзида бир мунг ётар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Жамолиддин юзида ўчиқлик, кўзида мунг бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ёндашмасин бу оқшом ҳам Қиттак қайғу, жиндак ҳам мунг.* Миртемир.

МУНГЛАНМОҚ *кам қўлл.* Мунгли, маъюс аҳволга тушмоқ, маъюсланмоқ. *Анорхон ўқтин-ўқтин хаёл суриб кетади, бирдан мунгланиб ҳам қолади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Арслонов мунгланиб, жойига ўтирди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

МУНГЛИ *кт.* Ҳазин, ғамгин; маъюс. *Қайнарбулоқ томонидан.. мунгли най овози эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг ғамгин, мунгли ўтириши Гавҳарнинг юрагини ўртаб ташлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МУНДА 1 *шв.* Бу ерда. *Бизнинг Тошкентдан аҳвол сўрасанг, балки Марғилонга ҳам эшитилгандир, мунда Азизбек қандоғдир бир кучга таяниб, Қўқонга исён этди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *с. т.* Бунда. *Гап мунда эмас.*

МУНДАЙ *с. т.* Бундай. *[Самандаров:] Мундай гапирсангиз-чи, забон борми!?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МУНДАРИЖА [*а.* مندرجه — мазмун, маъно; таркиб] **1** Китоб ёки қўлёзманинг бошида ёки охирида унинг фасл ва бўлимларини, одатда бетлари билан кўрсатувчи рўйхат. *Китобнинг мундарижасига қарамоқ.*

2 *кам қўлл. айн.* **мазмун**. *Мақоланинг мундарижаси. Ишнинг мундарижаси.* ▬ *Ғанишер Юнусовнинг ҳаёт мундарижаси — ғўза парвариши ва қўриқ ер очганлигидир.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МУНДИР [*фр.* manture — аслаҳа-анжом < *лот.* mundus — кийинган, гўзал; кийим, либос] Ҳарбий ёки расмий формали устки кийим. *Кўприкдан қочиб кетаётган охирги солдатлар орасида немис капитанининг мундири кўриниб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Парад мундирлари ҳам кўринмай қолди. Солдатдан тортиб генералгача — ҳамма дала формасини кийиб олган.* Газетадан.

МУНДОҚ *с. т.* Бундай. -*Гулнор бузилибди.. Йўлчи иккови мана мундоқ эмиш! — Нури икки бармоғини бир-бирига маҳкам чирмаштириб кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУНИС [*а.* مؤنس — улфат, ҳамдам; дўст] **1** *эск. кт.* Яқин, сирдош дўст, ҳамдам. *Кундан-кунга ортар дарду ҳасратим, Мунис, аҳли дардларимни соғиниб.* Ҳамза. *Ғурбатхонада менга энг яқин ўртоқ ва севимли, мунис ёлғиз шу бароқ мушук эди.* Ғайратий, Менинг ёшлигим.

2 Мунис (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

МУНИЦИПАЛИЗАЦИЯ [*фр.* municipalisation < *лот.* municipium — ўзини ўзи бошқарувчи жамоа] Хусусий кишиларга қарашли ер-мулк ва бойликларни мажбурий равишда маҳаллий ҳукумат органлари ихтиёрига ўтказиш.

МУНИЦИПАЛИТЕТ [*нем.* Munizipalität < *лот.* municipium — ўзини ўзи бошқарувчи жамоа] Бир қанча мамлакатларда: маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органи ва у эгаллаган, жойлашган бино.

МУНКАЙМОҚ Букчайиб қолмоқ; букилмоқ, эгилмоқ (киши ва унинг қомати ҳақида). *Мункайган чол.* ▬ *Парпихўжа ёғчи.. чол бўлмаса ҳам, чоллар каби икки қўлини орқа белига қўйиб, бир оз мункайиб, ичкари уйга кириб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Робия хола яккаю ягона ўғли урушга кетиб, мункайган чоли билан қолган.* С. Зуннунова, Олов.

МУНКАРНАКИР [*а.* منكر و نكير — ўлганларни қабрда сўроқ қилувчи фаришта-

ларнинг номлари] *с.т.* Мункар ва Накир: Исломий тасаввурга кўра, ўлганларни Раббинг ким, дининг нима, пайғамбаринг ким, деб қабрда дастлабки сўроқ қилувчи, уларни қилган гуноҳлари учун жазоловчи фаришталар. *Афанди мункарнакирнинг сўроғини ўз кўзи билан кўргиси.. келиб қолди-ю, бир очиқ гўрга кириб ётди.* «Латифалар».

МУНКИЛЛАМОҚ Қарилик натижасида кучдан кетиб мункаймоқ, букчайиб қолмоқ. *Яқинда Қумри иш билан яна Тошкентга келди. У ҳар галдагидек қадрдон институтига бориб, мункиллаб қолган профессорини кўриб чиқди.* Мирмуҳсин, Ажрим. *Мункиллаган бир кампир, нур ёғилиб бетидан, Дўқиллатиб ҳассасин, ўтди кўча четидан.* Қ. Муҳаммадий.

МУНКИМОҚ 1 Қоқилиб ёки мувозанатни йўқотиб, олдинга силкинмоқ, ташламоқ. *Канал қирғоғидаги чанг босган ўтлар устида эринчоқлик билан бораётган от бирдан мункиб кетди-ю, икки олдинги оёғи билан чўккалаб қолди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қудрат қўлидаги сувли челак билан мункиди, лекин йиқилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Нотўғри йўлга кирмоқ, тўғри йўлдан озмоқ, тоймоқ, қоқилмоқ. *Ғафлатга мункимоқ.* ▬ *Унинг иқбол чироғи мана шу мункишида қўлидан тушиб, чилпарчин бўлмасмикан?* С. Анорбоев, Оқсой.

МУНКИР [*а.* منكر – инкор этувчи, тонувчи] *эск.* Инкор этувчи, тан олмовчи. *-Худонинг қудратига мункирмисан? – деб Мулланаврўз ҳам Сафарга бир дўқ қилиб қўйди.* С. Айний, Қуллар. *Биз тез вақтда Хуросонни чириган, ачиган мавлонолардан, шариатга мункир аҳли фузалодан тозалаб оламиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Мункир келмоқ Тан олмаслик, тонмоқ. *-Шариатга мункир келган Ҳасан билан Содиққа ақл ўргатишга кетаётганмидингиз? – деди Нишонбек Мўътабарга.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. *..ўзларига ён босган зотларнинг бошидан тилла сочарди-ю, аммо уларнинг ҳукмдорлигига қиттаккина мункир келган кимсани асло кечирмасдилар.. қаттиқ ўч олардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МУНОЖОТ [*а.* مناجات – илтижо, махфий суҳбат] **1** *дин.* Исломдаги фарз намозлардан ташқари, ихтиёрий равишда ўқиладиган намозлар. Ҳар қандай диндорнинг худога ихтиёрий илтижо ва ибодат қилиши ҳам муножот ҳисобланади. *Қишнинг кўп вақтлари.. кечалари қиблага қараб, тиз букиб ўтириб, худога йиғлаш ва муножот қилиш билан ўтар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Афанди ёмғирда ивиган бир иморатнинг орасида худодан давлат сўраб муножот қилаётган эди, чордевордан бир ғишт тушиб, унинг боши ёрилди.* «Латифалар». *Айриликдан тинмайин дод айлайин, Ёлбориб, ҳаққа муножот айлайин.* «Ойсулув».

2 *ад.* Шарқ мумтоз адабиётининг анъанавий унсурларидан бири. Одатда, муножотда нажот умиди, илтижо ва тавбалар тангрига оташин мурожаат шаклида ифодаланади.

3 Йирик шаклдаги ўзбек мумтоз чолғу куйлари туркуми (уч асосий қисмдан иборат). *Домла.. музиканинг хумориси тутар экан, «Муножот» билан «Қари наво»ни эшитмаган куним, бамисоли халтасини йўқотган девонаман, деган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи,

4 Муножот (хотин-қизлар исми).

МУНОЗАРА [*а.* مناظره– баҳс, мубоҳаса, тортишув; назорат] **1** Илмий, адабий, сиёсий, диний ва ш. к. масалалар юзасидан тортишув; баҳс. *Илмий мунозара. Қизғин мунозаралар. Мунозара олиб бормоқ. Мунозара ўтказмоқ. Мунозарага якун ясамоқ.* ▬ *Элмурод оқсоқол билан эшон ўртасидаги диний мунозарага аралашишни лозим кўрмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *ад.* Мумтоз адабиётда кенг тарқалган жанр; фикрлар кураши, қарама-қаршилиги шаклида ёзилган асар.

МУНОЗАРАЛИ 1 Мунозара талаб этадиган, ҳал қилинмаган. *Чакана нархларни ўзгартириш мумкинлиги, шубҳасиз, ҳозирги пайтда энг мунозарали масаладир.* Газетадан.

2 Мунозарага оид, мунозара тарзидаги. *Врачлар ўртасида калта-калта мунозарали гаплар бўлиб ўтди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Кейинги пайтда тарихий шахслар портрети масаласида мунозарали фикрлар кўпайиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МУНОСАБАТ [*а.* مناسبت– муносиблик, мувофиқлик; жоизлик; қариндошлик; ало-

қадорлик] **1** Кишилар ўртасидаги алоқа, муомала. *[Элмуродга] Эшоннинг муносабати ҳам ўзгарди. Илгаригидай қаттиқ сўкмай қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У Навоий билан Биноийнинг ўзаро муносабатлари ҳақида баъзи бир гаплар эшитган..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги борди-келди, олди-берди муомалалари; тирикчилик, моддий ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ бўлган алоқа. *Оилавий муносабат. Савдо муносабатлари. Ишлаб чиқариш муносабатлари. Муносабат боғламоқ. Дипломатик муносабатларни узмоқ.* ▬ *У банклар орқали ўз рақибларига қарши олиб бормоқчи бўлган «сирли ишлари»ни, ўз қарздорларига қандай муомала ва муносабатда бўлишини ўйлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Кишининг воқеликка, воқеликдаги нарсаларга, ҳодисаларга қараши, ёндашиш принципи. *Аёл кишининг фазилати бола билан бўлган муносабатда очилади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Инсон моддий бойликни, маданий обидани яратар экан, ўзининг меҳнатга бўлган муносабатида маънавий гўзаллигини намоён этади.* Газетадан.

4 *флс.* Муайян тизимдаги элементларнинг жойланиш характери ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи фалсафий тушунча. *Тафаккурнинг борлиққа муносабати.* ▬ *Мен, одатим бўйича, сўзларнинг маъноларини ва номларнинг номланган нарсалар билан муносабатини билишга қизиққанимдан: -У қишлоқни нега Тезгузар деб атаганлар? — деб сўрадим.* С. Айний, Эсдаликлар.

5 Бирор иш, ҳаракат, гап ва ш. к. га дахли бўлган нарса, тегишли асос; боис, дахл. *Бу ишга сизнинг гапингизнинг ҳеч қандай муносабати йўқ.* ▬ *Тантибойвачча анчагина маст бўлиб, оғзига келганини валдирашга бошлади. Ҳар муносабат билан ўзини мақтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тавҳидий бир муносабат туғдириб.. пиёлага ёзиб берган шеъри ҳақида гапирди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

МУНОСАБАТДОР Муносабатли, алоқаси бўлган, боғланган; алоқадор, дахлдор. *Ишга муносабатдор томонлар.*

МУНОСАБАТСИЗ Муносабати, алоқаси, дахли йўқ; алоқасиз, дахлсиз, боғланмаган. *Муносабатсиз гап.* ▬ *[Мулла Обид] Гоҳо муносабатсиз бўлса ҳам, ўзича илжайинқираб қўяди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МУНОСИБ [*а.* مناسب — мувофиқ, мос келувчи; мутаносиб] **1** Тўғри келадиган, мос тушадиган; мувофиқ, лойиқ. *Муносиб номзод. Исми жисмига муносиб. Муносиб кўрмоқ.* ▬ *Ёрмат бир йилдан буён қизини муносиб жойга узатишга тиришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Мувофиқ тушадиган, ярашадиган, ярашиқ. *Олим кишига муносиб сиполик.* ▬ *Уйлар ўзига муносиб безаклар билан безалган.* «Эртаклар». *Ғалабага марсия эмас, мадҳия муносиб.* Уйғун.

3 Арзийдиган, арзирли. *Муносиб ҳисса қўшмоқ.*

МУНОФИҚ [*а.* منافق — иккиюзламачи; муғамбир] Тили бошқа, дили бошқа, сўзи ва иши бир-бирига тўғри келмайдиган, самимийлиги йўқ; иккиюзлама. *Мунофиқ одам.* ▬ *Бозор бошидаги мадрасанинг мударриси.. жуда мунофиқ, бориб турган иғвогар одам экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Сиртдан сизга кўринар содиқ, Аслан эса шу хил мунофиқ!* Я. Қурбон.

МУНОФИҚЛИК Мунофиқона иш, хатти-ҳаракат. *Бу ерда самимиятсизлик ва мунофиқлик, бир-бирини алдаш Элмурод учун оддий бир ҳақиқат бўлиб қолган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МУНОФИҚОНА Мунофиқлик, иккиюзламалик билан, мунофиқлар каби. *Мунофиқона ҳужум.* ▬ *Унинг кўзларида энди маккорлик, мунофиқона жилва йўқ эди.* К. Яшин, Ҳамза.

МУНОҚАША [*а.* مناقشه — муҳокама, мунозара; олишув, жанжал] *эск. кт.* Мунозара, баҳс, тортишув. *-Ҳозир бу масалани муноқаша этмак мавридими, мавлоно?! — деди [Беруний].* Газетадан. *Ҳамма.. Серов билан Эҳсон орасидаги муноқашага кўз-қулоқ бўлиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МУНОҚАШАЧИЛИК *эск. кт.* Муноқаша билан машғул бўлиш, баҳслашиш. *Мажлисни муноқашачиликдан қутқариб, дўстона руҳлантириш учун Навоий мавзуни ўзгартиб юборди..* Ойбек, Навоий.

МУНТАЗАМ [*а.* منتظم — тартибга келтирилган, тартибли; бир текис, бир маромдаги] **1** Тартибли равишда узлуксиз давом

этадиган, канда бўлмайдиган; муттасил. *Самолётларнинг мунтазам қатнови.* ▬ *Тирик ҳужайра ташқи муҳит билан мунтазам алоқада бўлган тақдирдагина яшай олади.* «Фан ва турмуш».

2 Белгиланган тартибда, режа асосида амалга ошадиган. *Халқ хўжалигининг мунтазам ривожланиши.* ▬ *Илғор ишчилар кунлик режа топшириқларининг мунтазам ортиғи билан бажарилишига эришаётирлар.* Газетадан.

3 Тартибли, доимий равишда амалга ошадиган ёки ошириладиган; тартибли, доимий, изчил. *Йигитлар машғулотларга мунтазам қатнашарди..* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 *мат.* Ҳамма томонлари, ёқлари ва бурчаклари тенг. *Мунтазам кўпбурчак. Мунтазам призма.*

Мунтазам армия (*ёки* **қўшин**) Қатъий ҳарбий тартибга эга бўлган, режали ҳарбий тайёргарлик кўриб борувчи доимий армия (қўшин). *Мунтазам қўшиндан ажраб, заифлашиб қолган Бухоро сон-саноқсиз кўчманчилар томонидан босиб олинди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

МУНТАЗИР [*а.* منتظر – кутувчи, кутиб турувчи] *кт.* Орзиқиб кутувчи, интизорлик тортувчи; муштоқ, интизор. *Мунтазир бўлмоқ.* ▬ *Бухоролик жанобнинг.. қашқа қорабайири депсиниб ўйноқларди.. Ҳамманинг эътибори шу жанобда, фармонига мунтазир.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Унинг назарида, ёри келиб, девор орқасида мунтазир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МУНЧА 1 *с. т.* Бунча, шунчалик, бу даражада, бу миқдорда. *Мунча ҳам чиройлисан, азиз Ватаним.* Ғ. Ғулом.

Бир мунча, бирмунча Бир оз, бир қадар, маълум даражада. *[Кумуш] Боягига қараганда анчагина енгиллашиб, ичкарига кирди. Ҳаракатлари ҳам бирмунча ўзгарган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *унд. с. взф.* Ҳаракатнинг ҳаддан ошиқлигини, ортиқ ҳаяжон, таъсирланганликни ва ш.к. ни билдиради. *[Хотини эрига:] Ҳа, мунча!.. Туртмасдан гапира беринг.* А. Қаҳҳор, Анор.

МУНЧАЛИК *с. т.* Бунчалик, бу қадар. *[Ўзбек ойим Отабекка:] Келин билан ичсанг бўлар эди? Бировнинг боласини мунчалик хўрлаш яхши эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУНЧОҚ Қимматбаҳо ва ранг-баранг шиша, тош ва ш.к. нарсалардан ясаладиган, асосан зийнат учун ипга тизиб, бўйинга, қўлга (билакка) тақиладиган думалоқ ёки бошқа шаклдаги доналар. *Шиша мунчоқ. Ипга мунчоқ тизмоқ.*

Дўлана мунчоқ 1) йирик сариқ рангли холдор мунчоқ; 2) дўлана данагидан тизилган мунчоқ. **Кўз мунчоқ, кўзмунчоқ** *этн.* «Ёмон кўз»дан асраш учун кўзга яқин болаларга тақиладиган оқ холли қора мунчоқ. **Эшак мунчоқ** 1) от ва эшакка тақиладиган йирик мунчоқ; 2) *кўчма* ҳеч нарсага арзимайдиган, ярамас нарса ҳақида.

МУНШАОТ [*а.* منشآت – яратилган, қурилган нарсалар; иншоот; муассаса] Шарқ шеъриятидаги жанрлардан бири, муаллифнинг назм ёки насрда ёзилган мактублари тўплами.

МУНШИЙ [*а.* منشى – асосчи, яратувчи; қурувчи; муаллиф, тузувчи, ёзувчи] *тар.* Саройда ёзув ишларини олиб борадиган котиб. *Анвар девонхона саҳнига етганда, ичкаридаги каттадан-кичик мирзо, муншийлар янги бошлиқларини муборакбод қилгали ўринларидан қўзғалдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУНҚАРИЗ [*а.* منقرض – тўхтаб қолган; ўлган, сўнган, йўқолган] *эск. кт.* Инқирозга юз тутган, кризисга учраган. *Мунқариз бўлмоқ.*

МУНҒАЙМОҚ *с. т.* Маъюс, тушкун ҳолда бўлмоқ; маъюсланмоқ. *Шарофат олдинги курсиларнинг бирида мунғайиб, тез-тез бурнини, кўзини артиб, дам-бадам хўрсиниб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ислом ота мунғайиб ўтирганча, саллали бошини кафтлари орасига олиб, оғир-оғир тебранарди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар.

МУОВИН [*а.* معاون – ёрдамчи] **1** Бошлиқ ёки раҳбарнинг ўринбосари. *Факультетни декан муовини Муслимов бошқариб борарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *эск.* Бировга кўмаклашувчи, ёрдамчи. *Баъзи ўқитувчилар: «Ойига ўн беш-йигирма сўм берайлик, бизга муовин бўлингиз», десалар ҳам унамадим, чунки улар менга кўпда маслакдош эмас.. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МУОВИНЛИК Муовин лавозими; ўринбосарлик. *Ҳамзахўжаев ҳамиша муовинлик лавозимида ишлайдилар, бошлиқ бўлишга қизиқмайдилар.* «Муштум».

МУОЛАЖА [*а.* معالجه– даволаш; тўғрилаш; ишлаб чиқиш, ишлов бериш] *кт.* Даволаш, даволаниш; даво. *Муолажа қилмоқ.* ▬ *Табиб муолажанинг натижасини энтикиб кутар ва қўрбошини полвоннинг ҳар бир шартига унашга ундар эди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Малика ўзини муолажа қилган табибнинг дўконига борди.* «Эртаклар».

МУОМАЛА [*а.* معامله – ўзаро муносабат, алоқа] **1** Кишилар билан муносабат, сўзлашув, шундай муносабат йўсини. *Яхши муомала. Дағал муомала. Муомаласи ёмон одам.* ▬ *Домла машғулот вақтларида бировларга кўпроқ диққат бериб, бировларнинг кўнглини унча-мунча ўкситса ҳам, муомалада дағал эмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Ўзбек ойим] Теваракдан марғилонлик келинни кўриш учун келувчи хотинларга муомалани яна ҳам юқорироқдан туриб қила бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Иш, хизмат билан боғлиқ бўлган алоқа. *У билан тўғридан-тўғри муомалада бўлмайдиганлар уни «райком», «райком Мавлонов» деб атасалар, яқинроқ ва кўпроқ муомалада бўладиганлар «ўртоқ Мавлонов» деб атар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *иқт.* Меҳнат маҳсулотларини олди-сотди воситасида айирбошлаш (товар хўжалиги учун хос).

Муомалага келмоқ (*ёки* **юрмоқ**) Гапга кўнмоқ, бирор таклифга рози бўлиб келишмоқ. *[Олахўжа:] Сиз ҳам энди оёғингизни тираб туриб олманг, бирон муомалага келинг.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Муомаладаги пул** Айни пайтда юриб, ишлатилиб, айланиб турган пул.

МУОМАЛАЛИ 1 Муомаласи яхши; хушмуомала. *Муомалали одам.*

2 Ўзи бирикиб келган сўз (аниқловчи) англатган маънодаги муомалага эгаликни билдиради. *Яхши муомалали одам. Дағал муомалали одам.*

МУОҲАДА [*а.* معاهده – битим, келишув, шартнома] *эск.* Битим, келишув. *Сулҳ муоҳадаси.* ▬ *Бир маҳаллар шаҳарда ҳоким бўлиб турган Фишманнинг акаси билан тузилган муоҳадага кўра, бу тойлар (пахта тойлари) Германияга кетиши керак эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

МУРАББА [*а.* مربّع – тўрт бурчакли, тўртбурчак; тўртлик, тўртланган] **1** *ад.* Шарқ шеъриятидаги лирик жанрлардан; асосан а-а-б-а қофияланиш тартибида тузилган, тўрт мисрали тугал маъноли шеър.

2 *эск. мат.* Томонлари тенг тўғри тўртбурчак; квадрат, чорси. *Тагишўр саройининг сатҳи йигирма мураббa метр келади.* С. Айний, Дохунда. *Мурабба шаклли ғиштлар ётқизилган йўлдан аста юриб, бош қасрга борди.* Ойбек, Навоий.

МУРАББИЙ [*а.* مربّى – тарбиячи] *кт.* **1** *айн.* **тарбиячи**. *Раҳматилла Обидий интернатга муаллим ва мураббий бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мураббий – бола қалбида ниш ура бошлаган умид ғунчаларининг меҳрибон соҳибидир.* Р. Усмонов, Одобнома.

2 Иш-фаолиятда раҳбарлик, раҳнамолик қилувчи; устоз, раҳнамо. *Алишер Навоий вафот этган эди. Бобур ўзига улуғ бир мураббий топдим, деб суюниб юрганда, ўгай тақдир уни бу мададкоридан ҳам жудо қилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Хосиятхон фақат Назиранинг устозигина эмас, қанчадан-қанча қиз-жувонларнинг мураббийси.* Ё. Шукуров, Марғилон гўзали.

3 Спортнинг муайян тури бўйича якка ва жамоавий тарзда машқлар қилдириш орқали муайян кўникмаларга ўргатувчи, тегишли соҳадаги малака-маҳоратни ўстирувчи устоз; тренер. *Футбол жамоасининг мураббийси.* ▬ *Мураббийнинг сўзларига кўра, келишув.. ЖАР (Жанубий Африка Республикаси) футболи мутасаддилари Бразилияга келганда амалга ошади.* Газетадан.

МУРАББИЙЛИК Мураббийга хос иш, фаолият. *Мураббийлик қилмоқ.* ▬ *Назаримда, мураббийлик ҳаракатининг қудратини ёддан чиқараётганга ўхшаймиз.* Газетадан. *Ўтган ярим асрлик мураббийлик даврим мен учун ҳам катта ҳаёт дарсхонаси бўлди, кўп нарса ўргандим.* Газетадан.

МУРАББИЯ *кт.* Мураббий аёл. *Хиёбонларнинг биридан оқ халат кийган.. нозиккина бир жувон чиқиб қолди. Қоровул уни меҳмонларга таништирди. Жувон болалар боғчасининг мураббияси экан.* А. Қаҳҳор, Картина.

МУРАББО [*а.* مربّا — жем, мураббо; мармелад] Ҳўл мева, резаворлар ҳамда шакардан тайёрланадиган ширинлик. *Олчадан қилинган мураббо. Сабзидан мураббо қайнатмоқ.* ▬ *Дастурхонга турли-туман қанд-қурс, мева-чева, анвои мураббо.. бўғирсоқлар билан зеб берилган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тоғлик аҳоли қадимдан ривочнинг поясини майдалаб, мурабболар тайёрлашган.* Газетадан.

МУРАККАБ [*а.* مركّب — таркиб топган, тузилган; тўплаб йиғилган; аралаш] **1** Ечилиши, тушунилиши, бажарилиши қийин; оғир, мушкул. *Мураккаб масала.* ▬ *Бу иш жуда мураккаб.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳомиланинг мўъжизали ривожланиш жараёни биологлар олдида турган энг мураккаб муаммолардан биридир.* «Фан ва турмуш». *Атоқли халқ санъаткори ҳаётнинг энг чигал, мураккаб томонларини ҳам жонли тил билан содда қилиб тушунтира оларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Катта қийинчиликлари бўлган, машаққатли, оғир. *Хўжалигимиз деҳқонлари мураккаб об-ҳаво шароити юз берган йилда бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилиб.. давлат топшириғини шараф билан адо этдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Мен билан тенгдош бўлган ёшларнинг ўсмирлик ҳаёти жуда мураккаб бир вақтга тўғри келган эди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

3 Таркиби бир неча (жуда кўп) унсурлардан ташкил топган. *Кўз жуда мураккаб оптик система бўлиб, киши ҳаётида кўзнинг яхши кўриши муҳимдир.* Газетадан. *Фан ва техниканинг узлуксиз ривожи ҳамда янги-янги мукаммал мослама ва механизмлар яратилиши туфайли янада мураккаброқ ЭҲМлар пайдо бўла бошлади.* «Фан ва турмуш».

МУРАККАБГУЛЛИЛАР Уруғи икки паллали, мураккаб тўпгулли ўсимликлар (мас., кунгабоқар, досторгул, дармана).

МУРАККАБЛАШМОҚ 1 Ҳал бўлиши мураккаб тус олмоқ, чигаллашмоқ. *Масала яна ҳам мураккаблашди.*

2 Оғир, машаққатли ҳолат касб этмоқ, шундай ҳолатга тушмоқ. *Баҳорнинг серёғин келиши туфайли деҳқончилик ишлари янада мураккаблашди.* ▬ *Агар аёл.. майиб-мажруҳ бўлиб қолса борми, унинг оиладаги аҳволи бадтар мураккаблашади.* Газетадан.

3 Тузилиш жиҳатидан мураккаб шакл олмоқ. *Мураккаблашган механизм.*

МУРВАТ [*а.* مرود — тўғноғич; ўзак, ўқ] *эск.* **1** Бириктириш учун ишлатиладиган резьбали металл деталь; винт. *Ражаб бобо пўлат дарвоза тепасидаги мурватни куч билан бурай бошлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Асбоб-ускуна ва машиналарнинг бураб ишга соладиган калити ёки пружинаси. *Шофёр чаққонлик билан машинани орқа тезликка солиб, катта кўчага бурилгач, приёмник мурватини буради.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *У, мурвати бураб қўйилган ўйинчоққа ўхшаб, бетўхтов айланарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

МУРДА [*ф.* مرده — ўлган; ўлик, жонсиз; ҳаром ўлган нарса] Ўлган кишининг жасади; ўлик. *..жанг майдонида пачақланган танклар ва душман мурдалари қаторлашиб қоларди.* Газетадан.

Тирик мурда Ҳеч нарса билан шуғулланмайдиган, ҳаракатсиз, ҳиссиз шахсга нисбатан қўлланувчи ибора. *Тирик мурда бўлиб юрма, инсонсан, инсондай қилиқ қил, деб ўргатгансиз, ота.* С. Сиёев, Аваз.

МУРДАХОНА 1 Мурда турган уй.

2 Касалхоналарда мурда сақланадиган хона; морг.

МУРДАШЎЙ [*ф.* مردەشوى — ўликни ювувчи киши] *шв. этн.* Ғассол, ювғучи. *Бахтсиз мурдашўйларни, касалнинг ўлимига ҳеч бир дахли бўлмагани ҳолда, «шумқадам», деб жанозага йўл қўймайдилар.* С. Айний, Дохунда. *Эҳа, ҳали урмоқчимисан, бетингни мурдашўй ювгур!* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

МУРДОР [*ф.* مردار — нопок, ҳаром; ҳаром ўлган нарса] **1** *от* Ҳаром ўлган мол; ўлимтик, ўлакса. *Магар масжидда эшитмадингмуким, бечора, аҳволи танг бўлган одамларга мурдорни емак ҳалолдир, деб.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

2 *сфт.* Ҳаром, нопок. *Номард — ит кабидир, мард — буюк дарё, Дарё ит дамидан ҳеч мурдор бўлмас.* «Ақл ақлдан қувват олади».

3 *сфт. кўчма* Ҳаром-хариш юрадиган, ифлос ишлардан қайтмайдиган, нопок. *Мен балчиқда ётган бир мурдор аёлни ҳалоллаб олиб, савоб учун қўл чўзсам.. худодан қайтар, деб ўйлагандим.* К. Яшин, Ҳамза.

МУРДОРХЎР [*ф.* مردارخور – ҳаром ўлган нарсаларни еювчи; бошқаларнинг ўлимидан ўз фойдасини кўзловчи] **1** Мурдор еювчи, ўлакса билан овқатланувчи (ҳайвон ва қушлар ҳақида).

2 *кўчма* Ҳаромхўр, бойлик учун ҳар қандай мурдорликдан қайтмайдиган. *Мурдорхўр одам.*

МУРИД [*а.* مريد – издош, эргашувчи, шогирд; суфийлар шогирди] *дин.* Пир ёки эшон (муршид)га қўл бериб, суфийлик йўлига кирган шахс. *Темурбекнинг отаси Амир Тарағай эса Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотига ихлос қўйган Амир Шамсуддин Кулолнинг муриди эди.* П. Қодиров, Тил ва эл. *Адрас тўнли, зарбоф чопонли кишилар, ортида муридларини эргаштирган уламо-умаро кўринса, дарҳол охират кунидан ваъз айтади.* С. Сиёев, Аваз.

Мурид овламоқ Қишлоқма-қишлоқ юриб, муридларни товламоқ, улардан назрниёз йиғмоқ. *Туркман эшонлари ҳам мурид овлайдилар, ҳам имоматчилик қиладилар, яъни туркманларнинг никоҳ ва жаноза маросимларини бажарадилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

МУРОД [*а.* مراد – тилак, истак, мақсад] **1** Эришиш, амалга ошириш кўзда тутилган орзу; мақсад, муддао. *Ботир ёрим, биламан, сиз қайғу дарёсига мандан чуқурроқ ботгандирсиз. Энди ёлғиз муродим: сизни бир кўрмоқ, сиз билан икки оғиз сўзлашмоқдир.* Ойбек, Танланган асарлар.

Мурод ҳосил бўлди Мақсад амалга ошди, орзу ушалди. *Хотиржам бўлинг, бегим.. Худо хоҳласа, муродингиз ҳосил бўлмай қолмас.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Мурод (эркаклар исми).

МУРОДБАХШ [*а.* + *ф.*مرادبخش– муродга етказувчи] *кт.* Кишининг муродини ҳосил қиладиган. *Муродбахш зот.* ▬ *Аҳмадохун.. қизини ёнига чақириб, унга насиҳат қилган бўлди, бугун муродбахш кун, деб уни дуо қилди.* К. Яшин, Ҳамза.

МУРОЖААТ [*а.* مراجعت – кўриб чиқиш; таққослаш, солиштириш; бирор нарса сўраш; ишни қайта кўриш] Бировга қарата айтилган гап, қилинган даъват, чақириқ ва ш. к. *Механизаторларга мурожаат билан чиқсам.. таниқли, тажрибали, қатъиятли механизаторларни чўлга чорласам.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Яқинда матбуотда республика илғор чорвадорларининг мурожаати эълон қилинди.* Газетадан.

Мурожаат қилмоқ (*ёки* **этмоқ)** 1) бирор иш, илтимос, чақириқ ва ш.к. билан бировга қарата оғзаки ёки ёзма сўз айтмоқ. *Илтимос билан мурожаат қилмоқ.* ▬ *Ўрдага ариза билан мурожаат қиладиган ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам, аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. -*Подшоҳ ҳазратлари, — назокат билан мурожаат этди Навоий.* Ойбек, Навоий; 2) маълумот олиш учун қарамоқ. *Энциклопедияга мурожаат қилмоқ. Тарихий манбаларга мурожаат қилмоқ.*

МУРОЖААТНОМА Ёзма мурожаат, мурожаат хати. *Стокгольм мурожаатномаси.* ▬ *Хон ва уламодан.. яширин равишда Тошкент, Андижон, Марғилон ва ўзга шаҳарларнинг ишончли уламо ва бекларига.. мурожаатномалар йўлланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУРОСА [*а.* مراضا – бир-биридан розилик, ўзаро келишиш] Ўзаро келишувли муносабат; келишув, келишувчилик. *Муросага келмоқ.* ▬ *Қайси оилада муроса яхши бўлса, файзи дарвозадан кўриниб туради.* Газетадан. *Шундан кейин ҳам муштипар она уларни муросага келтирмоқчи бўлди.* Газетадан.

Муроса қилмоқ Келишувли йўл тутмоқ, муроса йўлини тутмоқ. *Халқ билан муроса қилишим мумкин, аммо улар билан икки дунёда муроса қилолмайман.* Уйғун, Навбаҳор. *Турмуш бўлгандан кейин, муроса қилмасанг бўлмас экан.* Н. Сафаров, Наврўз.

МУРОСА-МАДОРА, муросаю мадора [муроса + *а.* مدارا– яхши муомала, илтифот] *с. т.* Келишувчилик. *Ишнинг чаппасига кетаётганини сезган Бўронбек «муросаю мадора» йўлига ўтди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

МУРОСАСИЗ Муросачилик, келишувчилик қилмайдиган, муросага келмайдиган, муросага, келишувчиликка йўл қўймайдиган. *Муросасиз танқид. Муросасиз курашмоқ.* ▬ *Ҳар бир ўқитувчининг ўзи ҳам ростгўй, нуқсонларга муросасиз, жонкуяр мураббий ва устоз бўлмоғи керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МУРОСАСИЗЛИК Муроса қилмаслик, муросасиз ҳолат. *«Муросасизлик» қурбони*

бўлган ота қизларидан на хабар олади, на бир бурда нонни раво кўради. «Муштум».

МУРОСАСОЗ *айн.* **муросачи**.

МУРОСАСОЗЛИК *айн.* **муросачилик.** *Муросасозлик ва ялтоқилик, каламуш ғаладонни илма-тешик қилгандек, фанни кемиради.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МУРОСАЧИ Умуман, келишувчи, ён берувчи киши.

МУРОСАЧИЛИК Умуман, принципсизлик билан ён бериш; келишувчанлик. *Беда экиш режасининг бажарилмай қолиши ҳамда бедазорларни режадан ташқари ҳайдаб юбориш ҳолатларига муросачилик қилишга йўл қўйилди.* Газетадан.

МУРОФАА [*а.* مرافعه – судлашиш, даъволашиш; суд жараёни] **1** *тар.* Қозихонада жиноий ёки фуқаролик ишининг кўрилиши.

2 *эск. юр.* Суд жараёни, судда ишнинг кўрилиши. *Мурофаа бўладиган куни Йўлдошбой ҳаммадан илгари бориб, бир чеккада кутиб турди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

3 *эск. кт.* Довлашув, олишув.

МУРОҚАБА [*а.* مراقبه – кузатиш; мушоҳада қилиш; назорат қилиш, текшириш] Ўзи, ўз ички дунёси ҳақида фикр юритиш, мушоҳада қилиш. *Халифа ҳали ҳам жойнамоз устида, сира қимирламайди. Муроқаба дарёсига чўмган. Ким билсин, «жаннат ҳуру ғилмонларини» хаёл қилиб лаззат олмоқдамилар?* С. Айний, Қуллар. *Исфандиёр жойидан қўзғалмади, Исломхўжа ҳам фикрларини жамлаб, муроқабага берилди.* С. Сиёев, Аваз. *..икки қўлини қовуштириб ва зўр салла ўраган бошини ўнг кўкрагига мойил эгиб, баайни муроқабада ўтирарди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МУРРУК *шв. айн.* **мурғак 2.** *Каклик шундай сайрайди, шундай сайрайди, етти чақирим наридаги муррук жўжаниям ўрнидан қўзғатади.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

МУРСАК 1 Аёллар киядиган енги калта устки миллий кийим; енгсиз камзул. *Мастонбиби шу гапни айтиб, сандиқдан бисотидаги мовут мурсагини олиб кийди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Тағин бир тилладан бўлган сарпо тўнни Муродхонга, бир мурсакни Орзигул ойимнинг устига ёпди.* «Муродхон». *..иссиқ кийимим йўқлигидан, қиш кунлари мактабга ойимнинг мурсагини кийиб бордим.* М. Қўшжонов, Дийдор.

2 *шв.* Марҳума тобути устига ёпиладиган узун енгил камзул.

МУРТ *шв.* Мўйлов. *Ўша-ўша, кичкина мурти тепага буралган.* С. Сиёев, Аваз.

МУРТАД [*а.* مرتدّ – ўз маслагидан қайтган, диндан қайтган; хоин] **1** *дин.* Диндан қайтган, худога шак келтирган одам. *Исломиятдан қайтган кишини китобларда муртад дейдилар.* С. Айний, Дохунда.

2 *сиёс.* Ўз сиёсий маслагидан қайтиб, душман томонига ўтган киши; сотқин; хоин. *Ҳар ким жадидга, большевикларга, муртадларга, қисқаси, жаноби олийга ёғи бўлиб.. ғазога чиқмаса, моли талон, хотини талоқ.* С. Айний, Қуллар.

3 Жирканч, палид. *Муртад башара. Муртад шахс.*

МУРТАК I **1** *айн.* **эмбрион**.

2 *бот.* Уруғ ичидаги униб чиқадиган ниҳолча.

МУРТАК II *тиб.* Шамоллаш ёки бир турли микробларнинг таъсири натижасида яллиғланган ёхуд йиринг олган томоқ безлари. *Отанинг томоғида нимадир тиқилгандай бўлди. Муртак чиққанда, шунақа бўлгувчи эди.* А. Эшонов, Тонготар таронаси.

МУРУВВАТ I *с.т. айн.* **мурват**. *Бино ичида монтажчилар қора мойга беланиб, аллақандай муруввватларни бурайдилар.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МУРУВВАТ II [*а.* مروّت – мардлик, сахийлик; одамгарчилик, олижаноблик] Одамгарчилик юзасидан қилинган яхшилик; саховат, ҳиммат. *Шоқосим бу нарсани бир мурувват каби, севина-севина қабул қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бироқ биров бировга мурувват қилишдан ожиз бўлган ўша замонда Ҳамро ота ва унинг аёлига ўхшаш инсофли одамлар ҳам бор эдилар.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

МУРУВВАТЛИ Мурувват қилувчи, саховатли, ҳимматли. *Она қачонлардир, насиб қилса, бу сахий, одамгарчиликни биладиган мурувватли кишига бир яхшилик қилишни дилига тугиб қўйди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

МУРУВВАТПЕША *кт. кам қўлл. айн.* **мурувватли.** *Бир қўл, бир оёғини кўтаролмай, беҳол бўлиб ётган басавлат, камгап, мурувватпеша Муҳаммад Раҳимжон ҳам*

шафқатини уйғотар, ҳам нафратига турткц бўлар эди. С. Сиёев, Ёруғлик.

МУРУВВАТСИЗ Мурувват йўқ, мурувватни билмайдиган, ҳимматсиз. *Муруввациз киши.* ▬ *Лекин муруvваciз, оқибатсиз раислар, директорлар ҳам йўқ эмас.* М. Мансуров, Ҳамманинг бурчи.

МУРУТ *с. т.* Мурт, мўйлов.

МУРЧ Тропик ўсимлик ва унинг зиравор сифатида ишлатиладиган думалоқ аччиқ меваси ва уруғи; қора мурч. *Туйилган мурч. Мурч донаси.* ▬ *Хўжақул.. катта гўшт парчасини вилкага илиб, мурч сепаркан, лабларини ялаб деди: -Хўп ажойиб нарса-да кавказча шашлик.* О. Ёқубов, Учрашув.

МУРЧДОН Мурч солиб қўйиладиган кичкина идишча.

МУРШИД [*а.* مرشد – тўғри йўлга солувчи; пир; раҳбар, йўл бошловчи] Тасаввуфда: тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

Муршиди ишқ Ишқ етакчиси. **Муршиди комил** Камолотга етган, етук пир, устоз.

МУРҒ [*ф.* مرغ – қуш, парранда: товуқ] *айн.* **товуқ йили** *қ.* **товуқ 5.**

МУРҒАК [*ф.* مرغک– кушча; жўжа] **1** Янги униб чиққан, ҳали қувватга кирмаган, нозик-ниҳол (ўсимлик, новда, барг ва ш.к. ҳақида). *Мурғак ғўза. Мурғак новда. Мурғак барг.* ▬ *Муаттар ҳидларга бурканган баҳор Мурғак куртакларга лабларин қўйди.* Х. Расул.

2 Ҳали суяги қотмаган, ўзини тутиб олмаган, нимжон (одам ва жониворлар боласи ҳақида). *Фақат қўзилар, кечагина кўз очиб, ёруғ дунёни кўрган мурғак жониворларгина бу даҳшатдан бехабар эди.* Й. Мукимов, Қизилқум паҳлавони. *Хирург Аҳрор Раҳматиллаев дадиллик кўрсатди: ғоят масъулиятли бўлса ҳам, тўрт ойлик мурғак чақалоқни операция қилди.* Ж. Кўчиев, Жонкуяр хирург.

3 *кўчма* Ҳали етилмаган, энди юзага келган. *Негадир бир варақ хат ичида уларнинг мурғак севгиларига доир бир оғиз ҳам гап йўқ эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Шеърингм мурғак, лекин дилинг соз, Нафасингда, дедингиз, ўт бор.* Зулфия.

МУСАВВИР [*а.* مصوّر – рассом; тасвирга, суратга олувчи] Турли тасвирлар ишловчи, расм чизувчи ижодкор. *Ранг излайди мусаввир кўзи, Дарахтларга баргдек қўшилиб.* Х. Даврон. *Тасвирий санъатда ижодкор кишилар образини яратиш мусаввирдан катта тажриба талаб этади.* «Гулистон». *Мусаввирнинг энг сара бўёқлари, энг қимматли онлари кўклам тароватини суратга муҳрлашга кетади.* Газетадан.

МУСАДДАС [*а.* مسدّس – олти қиррали, олти бурчакли; олтиталик] **1** *эск. айн.* **олтибурчак.**

2 *ад.* Ҳар бири олти мисрали бир неча бандлардан иборат бўлган шеърий шакл; олтилик.

МУСАЛЛАМ [*а.* مسلّم– йўл қўйиладиган, маъқулланган; тан олинган; соғ-саломат] *эск. кт.* Таслим бўлган, тан берган. *Ана, ўтган-кетган бизга мусаллам.. Қуллуқ қилармиди, бўлмаса каллам.* А. Мухтор.

МУСАЛЛАС I [*а.* مثلّث – уч ҳисса кўпайган; учбурчак] **1** *эск. айн.* **учбурчак**.

2 *ад.* Уч мисрадан иборат бўлган шеър; учлик.

МУСАЛЛАС II **1** Хонаки, қўлбола узум виноси. *Мусаллас солмоқ. Мусаллас ичмоқ.* ▬ *Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фикр каллада, мусаллас хумда етилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Енгил виноларнинг умумий номи. *Оқ мусаллас. Қизил мусаллас.*

МУСАЛЛАҲ [*а.* مسلّح – қуролли, қуролланган] *эск. кт.* Қуролли, қуролланган, ярок-аслаҳали. *Саҳн юзида уч-тўрт юз мусаллаҳ йигитларни бировни кутган ҳолда кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУСАММАН [*а.* مثمّن – қимматбаҳо; саккизлик; саккизбурчак] *ад.* Мумтоз шеъриятдаги лирик турга мансуб шеърий шакл; саккиз мисрали бир неча банддан иборат бўлиб, биринчи банд ягона қофияланишга эга, қолган бандларнинг етти мисраси ўзаро, саккизинчи мисра эса биринчи бандга қофиядош бўлади.

МУСАННИФ [*а.* مصنّف – китоб тузувчи, муаллиф] *эск. кт.* Тасниф этувчи, китоб, мусиқа ва ш. к. муаллифи, тузувчи. *Китобнинг мусаннифи. Ушоқнинг мусаннифи.*

МУСАФФО [*а.* مصفّى– тоза, соф; тозаланган] **1** *кт.* Жуда ҳам соф, беғубор. *Мусаффо осмон. Мусаффо сув.* ▬ *Яқингинада шивалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво мусаффо.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тошкент қадимдан серқуёш, мусаффо ҳаволи, серсув, унумдор тупроқли шаҳар сифатида шуҳрат қозонган.* «Саодат».

2 *кўчма* Тоза, пок. *[Қундуз:] Навоийданми? [Гули:] Ҳа, менга битибдур. [Қундуз:] Мусаффо ишқини изҳор этибдур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Энг маҳрам дўстингиз – сизнинг мусаффо қалбингиздир.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Мусаффо бўлмоқ 1) соф, беғубор бўлмоқ. *Осмондаги булутлар тарқаб, ҳаво мусаффо бўлди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шаҳримизнинг кумуш камарлари – канал ва анҳорлари доим мусаффо бўлсин.* Газетадан; 2) бутунлай қутулмоқ, халос бўлмоқ. *Йўқ, мусаффо бўлиб соғайганингиздан сўнг, ўшанда ҳам докторларнинг рухсати билан.* К. Яшин, Ҳамза.

МУСАФФОЛАШМОҚ Мусаффоликка эга бўлмоқ, мусаффо бўлмоқ. *Ёмғир савалаган сайин чанг-ғуборли атроф-жавониб тобора мусаффолашмоқда.* «Ёшлик».

МУСАФФОЛИК Мусаффо ҳолат. *Сувнинг эпкинида.. баҳорги ёмғирнинг мусаффолиги бор эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

МУСАХХАР [*а.* مسخّر– бўйсундирилган, мажбур қилинган] Қарам қилинган, бўйсундирилган.

Мусаххар бўлмоқ Қарам бўлмоқ, бўйсундирилмоқ. *Мусаххар бўлгай охир еру осмон, Билим бирла очилгай барча ҳикмат.* Ҳабибий.

МУСАҲҲИҲ [*а.* مصحّح – тўғриловчи, тузатувчи; имзо қўйган; корректор] *қ.* **корректор.**

МУСБАТ [*а.* مثبت – ижобий; тасдиқланган, исботланган] **1** *мат.* Нолдан катта, нолдан юқори. *Мусбат сон.*

2 *физ.* Моддий қисмлари протон ва позитрондан иборат электрга оид. *Мусбат заряд.*

3 *кам қўлл. айн.* **ижобий.** *Кўрган-билган одамларимдан қай бирига ўхшатсам бўлади? деган саволлар фикрини машғул этаркан, у, албатта, мусбат жавоб топар, шубҳасини ишончи енгар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унга мусбат воқеа ҳам, манфий воқеа ҳам тез таъсир қилар, нохуш воқеадан ҳам, завқёб ҳодисадан ҳам дарҳол қалби жунбишга кела бошларди.* С. Сиёев, Аваз.

МУСИБАТ [*а.* مصيبت– бахтсизлик; офат, фалокат, кулфат] Мотамсаро ташвиш; кулфат. *Мусибат тортмоқ. Мусибат чекмоқ.* ▬ *Учқун ойисининг бошига тушган мусибатдан бехабар.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тўй бўлиб ўтди, лекин тўй билан Бозорнинг уйига аза, мусибат, мотам келиб кирди.* С. Айний, Дохунда.

МУСИБАТЛИ Бошга мусибат солган ёки келтирган, оғир, ташвишли. *Мусибатли воқеа. Мусибатли аҳвол.* ▬ *Шу мусибатли кун шомга яқин кўча эшиги тақиллади.* С. Кароматов, Олтин қум.

МУСИЧА Каптарсимонлар оиласи ғурраклар уруғига мансуб, одамга яқин яшайдиган, беозор, ювош қуш. *..бўғотлардан чакиллаб сув томади, дераза рахларида кукулаб мусичалар сайрайди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Уялиш керак, ўртоқ директор, мендай мусичадек беозор кишини ранжитгани қандай кўнглингиз бўлди?* «Гулдаста».

МУСИҚА [*а.* موسيقى< *юн.* musike – музалар санъати] **1** Инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури. *Ҳинд мусиқаси.* ▬ *Ибн Сино шарқда санъат назариётчиси, айниқса, мусиқа илмининг билимдони сифатида тез-тез тилга олинади.* «Гулистон». *Ўзбек мусиқаси ва қўшиқчилиги тарихида очилмаган қўриқ – эстрада санъати эди.* Газетадан.

2 Шу санъатнинг чолғу билан ижро этиладиган асари; куй. *Машшоқлар дарҳол «Хон чиқар» дейиладиган тантанавор мусиқани бошладилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Салқин ҳовлидан майин, латиф.. мусиқа ва қўшиқ эшитилар эди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

3 *кўчма* Ёқимли, оҳангдор овоз(лар). *Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, ғўё кечанинг ўзи куйлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уларнинг оппоқ, кўркам гуллари қуёш нурида жуда нафис товланар, сонсиз арилар ва баҳор қўнғизлари гуллар орасида учишиб, ажиб мусиқа таратарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУСИҚАВИЙ *айн.* **мусиқий 2.** *Бир турли, бир оҳангли нафис, мусиқавий товушлар кишининг борлиқ вужудига, қон томирларига ажойиб бир ўзгариш берган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахир, бастакор ҳаётининг гўзал ва сержило томонларини мусиқавий ранг билан чизмаса, майин туйғулар, эзгу ниятлар қанот ясай оладими?* А. Исроилов, Инсон ва қўшиқ.

МУСИҚАЧИ Мусиқа чалувчи, созанда. *[Аваз укасига:] Комилнинг куйларини сира ҳам эсдан чиқариб бўлмайди. Бизда Комилга етадиган мусиқачи йўқ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУСИҚАШУНОС Мусиқа ўрганувчи, мусиқа олими, мутахассиси.

МУСИҚАШУНОСЛИК Мусиқа назарияси, тарихини ва муайян халқ(лар)нинг мусиқа маданиятини ўрганувчи фан. *Мусиқашуносликка оид асарлар.*

МУСИҚИЙ 1 *эск. айн.* **мусиқа.** *Дўстёрлар йиғилишиб, чағир ичиб, мусиқий ва рақслар билан тонг оттирадилар.* Ойбек, Навоий. *Навоий ўз тенги келадиган Мирзабекни ичкиликдан қайтаришга, унда шеър ва мусиқийга ҳавас уйғотишга ҳаракат қилардилар.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

2 Ритм ва оҳангга эга бўлган; оҳангдор. *Мусиқий шеър.* ▬ *Пишкак билан Ферузанинг бутун вужуди аллақандай мусиқий ритмга мос чайқалади.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

МУСИҚИЙЛИК Ритм ва оҳангга эгалик; оҳангдорлик. *Аксар вақт ғазалларга мусиқийлик нуқтаи назаридан қараб баҳолайдиган Зайниддин, завққа тўлгандек, бошини аста тебратиб ўтирди.* Ойбек, Навоий. *Жомий ғазалда ажойиб уйғунлик, равонлик, мусиқийликка эриша олди.* Ш. Шомуҳамедов, Сўнмас юлдуз.

МУСКАТ [*фр.* muscat < *лот.* muscus < *ф.* مشک – қорамтир хушбўй модда; *қ.* **мушк**] **1** Узумнинг мушк ҳидини эслатадиган хушбўй навлари.

2 Шу узумдан тайёрланган вино.

МУСКУЛДОР *айн.* **мускулли.** *Баланд бўйли, мускулдор бир одам эшикни очди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

МУСКУЛЛАР [*лот.* musculus – сичқонча] Одам ва ҳайвонларда нерв импульслари таъсирида қисқариш хусусиятига эга бўлган анатомик тузилмалар; мушаклар (улар айрим аъзоларни ва тана қисмларини ҳаракатга келтиради). *Чой юрак мускулларида модда алмашинув жараёнини яхшилайди.* «Фан ва турмуш».

МУСКУЛЛИ Мускули тараққий қилган. *Эй азамат, ботир кўкрак, мускулли қўллар.. Йўлингиз кенг, нурли йўлдир, эй бахтли юзлар.* Туйғун, Шеърлар.

МУСЛИМ [*а.* مسلم – исломни қабул қилган, мусулмон] **1** *кам қўлл.* Мусулмон динидаги киши; мусулмон. *..ислом туғи остига Туркистондаги жамики муслимларни тўплагаймиз.* К. Яшин, Ҳамза.

Муслим аҳли *ёки* **аҳли муслим** Мусулмон(лар).

2 Муслим (эркаклар исми).

МУСЛИМИН, муслимун [«муслим» с. кўпл.] *эск.* Мусулмонлар, ислом динидаги кишилар.

Амирул муслимин Мусулмонлар амири, халифа.

МУСЛИН [*фр.* mousseline < Ироқдаги Мосул (الموصل) шаҳри номидан] Енгил, юпқа ва майин газлама. *Ипак муслин. Юнг муслин. Муслин кўйлак.*

МУСОАДА [*а.* مساعده – ёрдам, кўмак; қўллаб-қувватлаш] *эск. кт.* Кўмаклашиш, имкон туғдириш. *Вақт мусоада қилса, келарман.*

МУСОБАҚА [*а.* مسابقه – тортишув, беллашув; танлов] Ким ўзиш, ким яхши натижаларга эришиш учун бўлган беллашув. *Отиш мусобақаси. Чопиш мусобақаси. Мусобақа қилмоқ.* ▬ *Сузиш, шахмат-шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда.* Газетадан. *Пахтазорларда очиқ-ойдин кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш учун.. мусобақа қизғин тус олди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Мусобақа қилмоқ *айн.* **мусобақалашмоқ.** *..бу ўзи сиз билан биз мусобақа қиламизми ё халала-ҳашту ўйнаймизми?* У. Исмоилий, Сайланма.

МУСОБАҚАДОШ Мусобақа қилувчи, ўзаро мусобақада қатнашувчи томонлар (бир-бирига нисбатан). *Мусобақадошларимиз келишармиш, шартномани топиб қўймасак бўлмайди.* «Муштум». *Чигит экишда мусобақадошларимиздан беш кун кечикдик.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МУСОБАҚАЛАШМОҚ Ўзаро мусобақа қилишмоқ. *Олимпиада ўйинларида жаҳоннинг энг кучли спортчилари мусобақалашдилар.* Газетадан.

МУСОБАҚАЧИ Мусобақада қатнашувчи, мусобақа қатнашчиси. *Мусобақачилар бошқаларни ўнлаб одим орқада қолдирадилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МУСОВАДА [*а.* مسوّده – қоралама ёзув; (шартнома) лойиҳаси] *эск. кт.* Хатга олиш, рўйхат. *[Бой:] Мана, мусовадаси ҳам тайёр. Икки юз сўм накд пул, беш пуд гурунч, икки чорак ун, битта бўрдоқи қўй!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Мусовада қилмоқ Хатга олмоқ, рўйхатламоқ. *Мамарайим ҳеч кимни қуруқ қайтармади, каттакон дафтар очиб, кимга нима берса, мусовада қилиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МУСОВИЙ [*а.* مساوى – тенг, баробар] *эск. кт.* Тенг, баравар. *Икки карра икки мусовий тўрт.*

МУСОВОТ [*а.* مساوات– тенглик] *эск. кт. айн.* **тенглик.** *Қутлуғ бўлсин янги меҳнат, янги бойлик, янги турмуш, онг-билимнинг мусовоти.* Ҳамза.

МУСОВОТЧИ Мусовотчилар партиясига мансуб киши. *Али Акбарнинг ўзи Озарбайжондаги кўзга кўринган актив мусовотчилардан бўлган.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

МУСОВОТЧИЛАР *тар.* Озарбайжонда 1911 йилда вужудга келиб, 1920 йилда, Озарбайжонда совет ҳокимияти ўрнатилганда битирилган сиёсий партия.

МУСОДАРА [*а.* مصادره – мол-мулкни мажбурий равишда давлат ихтиёрига ўтказиш; тортиб олиш] **1** Хусусий кишиларга тегишли мулк ва ш.к. ни пул тўламай, қисман ёки батамом давлат ихтиёрига олиш, умумлаштириш. -*Отамнинг бутун молу мулки мусодара қилинди, ўзи онам ва ёш укаларим билан бирга сургун этилди, – деди Кутбия.* С. Айний, Қуллар. *Хоннинг буйруғи билан Шерназарбой ва бошқалар ҳибсга олинди. Моллари мусодара қилиниб, хоннинг хазинасига кирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Матбуотда чиққан нарсаларни тақиқлаб йиғиштириб олиш. *Бу китоб чиқиши биланоқ чор ҳукумати уни дарров мусодара қилди.* Газетадан.

МУСОИД [*а.* مساعد – ёрдам этувчи; қўшимча; ёрдамчи] *эск. кт.* Ёрдам берувчи, қулай. *Ўрин бўлмагани, мусоид шароит бўлмаганидан мурожаатларнинг кўпи натижасиз қолди.* Газетадан.

МУСОЛАҲА [*а.* مصالحه– сулҳ тузиш; ярашиш] *эск. кт.* Сулҳга келиш, сулҳ тузиш; сулҳ. *Урушувчи давлатлар мусолаҳаси.*

МУСОФИР [*а.* مسافر – сафарга чиққан, саёҳатчи, йўловчи; меҳмон] **1** Сафардаги киши; сайёҳ. *Ҳар шаҳардан ҳар шаҳарга юрамиз, Бир мусофир бизлар гадо бўламиз.* «Ширин билан Шакар». *Бой меҳмонхонага кирганда, мусофир ёстиққа бош қўйиб уйқуга кетган, баҳузур йўл ҳордиғини чиқараётган эди.* У. Исмоилий, Сайланма.

2 Бошқа ердан келган ёки бошқа ерда яшовчи; келгинди. *Бундан ўн саккиз йил бурун бу қишлоқнинг бир бурчагида мусофир бир темирчи бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Қизимни мусофирга бермайман, деб қўярмикан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *с. т.* Ўзга, ёт (эл-юрт ҳақида). -*Раҳматли отам мусофир элларда.. менинг нима бўлишимни ҳам ўйламаганмикан? – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Биз узоқ жудоликдан кейин мусофир юртда учрашган ака-укалардек қучоқлашиб кетдик.* О. Ёқубов, Излайман.

МУСОФИРЛИК *айн.* **мусофирчилик.** *Мусофирликлар ўтди. Юр, қайтайлик ўз юртга.* «Оқ олма, қизил олма».

МУСОФИРХОНА *эск.* Ўзга ерлардан келган кишилар қўнадиган жой; меҳмонхона. *Эллик тийинга фойтун кира қилиб, бир мусофирхонага бордим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Карвонсарой атрофидаги мусофирхоналардан бирига жойлашиб олишгач.. бозори Қандаҳорга боришди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МУСОФИРЧИЛИК Мусофир кишининг ҳаёти, тирикчилиги, ҳолати. *[Отабек:] Келган кунимдан Марғилонингизни хушламай бошлаган эдим, чунки танишларим йўқ, мусофирчилик билиниб қола ёзган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мусофирчиликда Ватаннинг қадрини янада чуқурроқ ҳис қилдим.* Газетадан. *Ёш олимнинг мусофирчиликда бошидан кечирган кулфатлари бу ташвишлар олдида ҳеч гап эмасди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар.

МУСОҲАБА [*а.* مصاحبه – бирга кузатиб, ҳамсуҳбат бўлиб бориш; жўр бўлиш] *эск. кт.* **1** Суҳбатлашиш, ҳамсуҳбатлик, суҳбат. *Олимлар ва ёзувчилар оила аъзолари билан нонуштага ўтирар эканлар, мусоҳабаларининг мавзуи оқ олтин бўлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Давлат, жамоат, фан, маданият арбобларининг мухбир билан оммани қизиқтирадиган бирор масала юзасидан матбуот учун ўтказган суҳбати; интервью. *Мусоҳаба ўтказмоқ.*

МУСОҲИБ [*а.* مصاحب – ҳамсуҳбат, улфат; хуштор, жазман] *эск. кт.* Ҳамсуҳбат, суҳбатдош. *Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусоҳиб бўлмагил, Ҳар нафасда минг чаманда дил қушин парвоз топ.* Ҳамза.

МУССОН [*фр.* mousson – йил фасллари < *а.* موسم– вақт, фасл; мавсум] Ер юзасида ва тропосферанинг қуйи қисмида доимо бир томонга эсадиган, фақат йил фаслларининг алмашиниши билангина ўз йўналишини қарама-қарши томонга ўзгартирадиган ҳаво оқими. *[Ҳиндистонда] Жазирама ёздан кейин муссон даври бошланиб, бир неча кун сурункасига жала қуяди.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

МУСТАБИД [*а.* مستبد – ўз хоҳишича иш қилувчи; золим, зулмкор] Мутлақ ҳокимиятга эга бўлган ҳоким, истибдод эгаси. *Азизбек Туркистон хонлигининг энг золим ва мустабид саналган бекларининг бири ва унинг ўз қарамоғида бўлган Тошкент аҳолисига қилган зулмлари Фарғонага достон.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мустабид шоҳларнинг разолати ҳам шундаки, улар фақат ўз номлари эмас, балки ўз эли номига ҳам доғ туширишга қодирдирлар.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Мустабид тузум мафкурачилари элига садоқатли, обрў-эътиборли одамларни йўқ қилиш пайида бўлганлар.* М. Қўшжонов, Дийдор.

МУСТАБИДЛИК Якка шахс ҳукмронлигига асосланган сиёсий тузум шакли.

МУСТАЖОБ [*а.* مستجاب – талаби қабул этилган, қондирилган, қабул бўлган] *дин.* Қабул этиладиган, ижобат бўладиган. *Муштипарсиз, дуоларинг мустажоб, Дуо қил, кўл очиб, сарвиноз қизлар.* «Хушкелди».

Мустажоб бўлмоқ Қабул этилмоқ, ижобат бўлмоқ. *Некалай замонасида Розиқбой акамнинг ҳар бир дуоси оғзидан чиқмасдан мустажоб бўлур эди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

МУСТАМЛАКА [*а.* مستملكه – эгаллаб олинган, қарам мамлакат] Кучли давлат томонидан босиб олиниб, эксплуатация қилинувчи мамлакат.

МУСТАМЛАКАЧИ Мустамлака қилиб олувчи ва мустамлака меҳнаткашларини эксплуатация қилувчи. *Мустамлакачи давлатлар.* ▬ *Илгариги миршаб ва юзбошилар мустамлакачилар томонидан қўйилган, уларнинг ноғорасига ўйнайдиган рус ва ерлик амалдорлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК Кучли давлатлар томонидан зўрлик билан эгалланган мамлакат ёки ҳудудни сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам қилиш, талаш сиёсати. *Мустамлакачиликка қарши кураш. Мустамлакачилик сиёсати.* ▬ *Мустамлакачиликнинг энг шармандали оқибатларидан бири меҳнаткаш аҳолининг саводсизлигидир.* Газетадан. *Маълумки, асрлар давомида қадимий ҳинд эли империализмнинг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келди.* Газетадан.

МУСТАСНО [*а.* مستثنى – истисно қилин(ади)ган, ташқаридаги] Умумий қоидадан, одатдаги тартиб, ҳолатдан ташқари. *Ёр, диёр меҳрини куйлаб, Умримиз бўлгай адо, Мен на истисно эрурман, Сен на мустасно, қалам.* Э. Воҳидов. *Айрим мустаснoларни ҳисобга олмаганда, адабиётимиз турли йўллар.. тажрибалар асосида ривожланиб боради.* Газетадан. *Мулла Бурҳон мажлисга киришга мансаби жиҳатидан лойиқ бўлмаса ҳам.. мустасно тарзда киргизилди.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

Мустасно қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Умумий ҳолатдагилар қаторига киритмаслик; истисно қилмоқ. *Агар дарсликларни мустасно қилсак.. матбуот саҳифаларида, шунингдек, илмий, оммавий китоб ва рисолаларда* ***кимё – химия, кимёвий – химиявий, кимёгар – химик*** *тарзида уларнинг ҳар икки варианти ҳам қўлланаётир.* «ЎТА». *Ота-боболаримиз шу тариқа, теракни мустасно этганда, мевали дарахтни кўпайтиришга зўр эътибор берганлар.* Газетадан.

МУСТАСНОЛИ Мустасно қилинадиган, мустасно тарздаги. *Шуниси ёмонки, ана шундай зуваласи хом таржималар онда-сонда учраб қоладиган мустасно ҳол бўлмай, балки умумий китоб маҳсулотининг хийла катта улушини ташкил қилади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

МУСТАСНОСИЗ Ҳеч бирини мустасно қилмасдан; истисносиз, беистисно.

МУСТАҚИЛ [*а.* مستقل – эркин, озод; тобе бўлмаган, алоҳида] **1** Ихтиёри ўзида бўлган; тобе, қарам бўлмаган. *Мустақил давлат.* ▬ *Нормуҳаммад қушбеги Қўқондан бош товлаб, ўз олдига мустақил ҳукумат эълон қилган бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз иш қила оладиган, ўзича фикр юрита оладиган, яшай оладиган. *Дўстларининг жилмайган юзлари.. унинг [Элмуроднинг] ҳеч қачон хаёлига келмаган бир фикрни шивирлаётгандек бўлди: «Биз энди жиддий ва мустақил одамлармиз».. деяётгандай туюлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Энди у ўзини мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйган мустақил бир киши деб ҳисоблади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Фақат ўзига таааллуқли, ўзгалар иштирокисиз, таъсирисиз бўладиган. *Ўзининг қизиқиб, мустақил шуғулланиши натижасида бу тилни ўқитувчиси билан гаплаша оладиган даражада билиб олди.* Мирмуҳсин, Умид. *Менинг гапим шу: мустақил фикрингиз бўлса, яна ўйлаб кўринг.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..учала шогирдидан ҳам мингданминг рози эканини айтди, энди мустақил иш қилаверишларингиз мумкин, деб фотиҳа ҳам берди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Мустақил сўз Луғавий маънога, номлаш вазифасига эга, яъни предмет, белги, ҳаракат кабиларни номлайдиган ёки унга ишора қиладиган ва гапнинг мустақил бўлаги вазифасида кела оладиган сўзлар. Мас., *гул, чиройли, сайрамоқ, беш, бу, қачон* сўзлари мустақил сўзлардир.

МУСТАҚИЛЛИК Мустақил ҳолат; боғлиқ, қарам бўлмаган ҳолат; давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши. *Сиёсий мустақиллик. Миллий мустақиллик. Мустақиллик эълон қилмоқ.* ▬ *Ҳироту Самарқандга бўйсунмай, мустақиллик даъво этаётган Амирак Аҳмадни йўқотиб, ўрнига ўғилларидан бирини қўймоқ.. Шоҳруҳ салтанати мавқеини кўтаришда ғоятда муҳим масала эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бу хушҳол ва очиққўнгил аёлда кўзга яққол ташланадиган кучли ирода ва мустақиллик яширин эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МУСТАҒРАҚ [*а.* مستغرق – ғарқ бўлган; ўйга толган, чўмган] Ғарқ бўлган, чўмган. *Сенинг ёдинг билан юрибман омон. Сенинг ёдинг билан – масти мутағрақ.* У. Қўчқоров.

Мустағрақ бўлмоқ Ғарқ бўлмоқ, чўммоқ. *..Хаёлларга мустағрақ бўлар.* М. Али. *Тотли лаблар шаробидан қанчалик масти мустағрақ бўлмасин, Аҳроржон яна ўзини секин четга олди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

МУСТАҲАБ [*а.* مستحب – севимли, афзал, устун; маъқулланган; қилинса яхши, қилинмаса гуноҳ бўлмайдиган ибодат]: **мустаҳаб қилмоқ** *дин.* Таҳорат олиш учун авратларни ювмоқ.

МУСТАҲИҚ [*а.* مستحق – муносиб, лойиқ; тўланиши шарт бўлган] *эск. кт.* Сазовор, лойиқ. *[Навоий:] Мазлумнинг додига етиш ва золимни жазога мустаҳиқ қилишни адолат дейдилар, азизлар.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

МУСТАҲКАМ [*а.* مستحكم – маҳкам, кучайтирилган, кучли] **1** Бузилиш, узилиш, қулаш ва ш.к. жиҳатдан чидамли; пишиқ-пухта, маҳкам. *Мустаҳкам иморат. Мустаҳкам пойдевор.* ▬ *Андижон қальъаси мустаҳкам. Бобур мирзо у ерда бўлса, қальъа янада мустаҳкам бўлур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мустаҳкам темир устунларга тортилган пўлат арқон кучли моторлар ёрдамида бир маромда ҳаракатга келиб турибди.* Газетадан.

2 *кўчма* Ўз хусусияти, моҳияти ва ш.к. жиҳатдан ўзгаришга, бузилишга, айнишга чидамли; барқарор, айнимас. *Мустаҳкам интизом. Мустаҳкам дўстлик. Мустаҳкам алоқа. Мустаҳкам ирода.* ▬ *Асаби темирдан ва руҳияти ниҳоятда мустаҳкам кишилардан акванавтлар тайёрланади.* «Фан ва турмуш». *Имонига, динига мустаҳкам, покиза одам бор жойдан ажина юз чақирим нарига қочармиш.* С. Аҳмад, Ҳукм.

МУСТАҲКАМЛАМОҚ 1 Мустаҳкам қилмоқ, маҳкамламоқ. *Эшикни мустаҳкам-*

ламоқ. ▬ *Шунинг учун немислар бу районни қарийб икки йил давомида тинмай мустаҳкамлаган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *кўчма* Барқарор қилмоқ, жипслаштирмоқ. *Истиқлолимизни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун кураш—муттасил давом этадиган ўта масъулиятли ва мураккаб жараён.* Газетадан. *Комплекслар, фермерларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш керак.* Газетадан.

3 Пухталамоқ, пухта ўзлаштириб олмоқ. *Ўтилган дарсни мустаҳкамламоқ.* ▬ *Ҳар нарсани гапираверманг, ҳунарингизни мустаҳкамланг, уқувли бўлинг.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

МУСТАҲКАМЛИК Мустаҳкам ҳолат, мустаҳкам бўлиш. *Иморатнинг мустаҳкамлиги. Дўстликнинг мустаҳкамлиги.* ▬ *Йигит ўз севгисининг мустаҳкамлигига ишончи комил эмасдек.. қўрқувда эди.* А. Мухтор, Чинор.

МУСУЛМОН [*а.* مسلمان] **1** Ислом динидаги киши. [*Қози:*] *Сен бир камбағал мусулмонсан. Ўз жонингга жабр қилма.. деймиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ҳиндистон мусулмон бойлари ҳам эъзоз-икром билан қасрлар, саройларга эга бўлдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Мусулмон (эркаклар исми).

МУСУЛМОНЛИК Ислом динига мансублик, тааллуқлилик. *Мусулмонликка хилоф иш.* ▬ *Бас, гоҳ-гоҳида эл-жамоатни бир ерга йиғиб, дуосини олиб қўйиш мусулмонлик шарти эмасми?* С. Сиёев, Ёруғлик.

МУСУЛМОНОБОД Мусулмончилик ҳукм сурган, ривож топган; шундай жой, пайт. *Халқимиз таъбирича, бу замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантанали тадбирни бузиб қўядиган ишлар ҳали йўқ эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ул вақтлар мусулмонободнинг қайнаган чоғлари эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қўқон тахтига Худоёрхон авлодларидан бирортасини ўтқазиб, ислом туғи остига Туркистондаги жамики муслимларни тўплагаймиз, мусулмонобод бўлгай.* К. Яшин, Ҳамза.

МУСУЛМОНЧА Мусулмонларга хос, мусулмон динига оид. *Хон мусулмон, бек мусулмон.. бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУСУЛМОНЧИЛИК 1 *айн.* **мусулмонлик**. *Мусулмончиликнинг фарзларидан бири — муборак ҳаж зиёратида бўлиб қайтдим.* Газетадан.

2 Ислом динига, мусулмонларга хос тартиб, қонун-қоидалар. *Сиз мусулмон фарзандисиз.. лекин қилган ишларингиз мусулмончиликка тўғри келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..бунчалик талон-торож қилиш мусулмончиликка тўғри келармикан?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МУСҲАФ [*а.* مصحف — саҳифаланган китоб] Халифа Абу Бакр Сиддиқ даврида Қуръоннинг кийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзилган тўплами; саҳифаланган Қуръон. *Шоҳим, муқаддас мусҳафда дарж этилмабдурмиким, инсон фарзандларини азизу мукаррам қилиб яратдик, деб.* С Сиёев, Ёруғлик.

МУТААССИБ [*а.* متعصّب — ўта фидойи, берилган; ғайратли] **1** Динга қаттиқ берилган, унга кўр-кўрона амал қилувчи. *Қўйган театрларимиз кўпчиликка ёққан бўлса ҳам, мутаассиб уламолар ва чор ҳукумати амалдорлари бизга ёмон кўз билан қарар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Бировга кўр-кўрона эргашувчи, бирор ишга онгсиз равишда қаттиқ берилувчи, таассуб қилувчи. *Мутаассиб адиб.* ▬ *Бўғинлари зирқирар, анови авом, мутаассиб оломонга қўшилиб, ўзи ҳам казак аскарларидан таёқ егандек, жисму жони ёнарди.* С. Сиёев, Аваз.

3 *эск. айн.* **консерватор**. *Муҳаррирнинг ғоят мутаассиблигини, прогрессив ёшларнинг ва зиёлиларнинг энг зўр душмани эканлигини ҳам яхши биларди.* Ойбек, Нур қидириб.

МУТААССИР [*а.* متأثّر — бирор нарсадан таъсирланган] *эск. кт.* Бирор нарсадан таъсирланган, таъсир олган ёки таъсирланувчан. *Анвар ёш бўлса ҳам, жиддий ва кичкина мияси муҳокамага қобил, бошқа кишилар устига тушган бахтсизликдан ҳам мутаассир бўлувчи эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУТАВАЛЛИ [*а.* متولّى — мудир, бошқарувчи; идора қилувчи] *тар.* Диний муассасаларнинг хўжалик нозири. *Кичик мударрисимиз тўнғиздан тўқ бўлса-да, вақф даромадини тақсим қилиш чоғида мутаваллилар билан тил бириктириб, муллаваччалар-*

ни кўп қақшатар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МУТАВОЗЕ [*а.* متواضع – камтар, тавозели, кибрсиз] *эск. кт.* Таъзим-тавозени канда қилмайдиган, барчага баравар тавозе билан муомала қиладиган; сертавозе; камтар, *Муҳаммад Расул қирқ ёшга етиб қолган мутавозе, мулланамо киши эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУТАКАББИР [*а.* متكبّر – мағрур; кибрли, калондимоғ] *эск. кт.* Ўзини катта олувчи, кибр-ҳавоси баланд, кибрли, такаббур.

МУТАКАББИРОНА Такаббурлик билан, такаббурона. *Мутакаббирона муомала.*

МУТАМОҚ 1 Қирқиб, учириб ёки кемириб парчаламоқ. *Ёғочни мутамоқ.*

2 *кўчма* Авраб бировнинг ҳақини емоқ, ўмармоқ, қаллоблик, текинхўрлик билан бировнинг ҳисобига яшамоқ. *Бас энди, жаноблар, хўб мутадингиз, Ҳақ-ҳисоб куни ҳам яқиндир ахир.* Ғ. Ғулом.

МУТАНОСИБ [*а.* متناسب – тенг ўлчамли, тенг нисбатли; пропорционал] **1** Қисмларининг катта-кичиклиги, эни, бўйи, бичими бир-бирига мос ва маълум нисбатда бўлган. *Мутаносиб қадди-қомат.* ▬ *Эргаш гапирар экан, Добротворцев унинг пишиқ ғиштдай қорайиб қизарган озғин юзига мутаносиб келмайдиган бақувват кўкраги ва темирдай чайир билакларига разм солди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..пушти лаблари юпқа, юзига мутаносиб чиройли бурни устида реза тер.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 Ўзаро бир-бирига мос нисбатли, бири иккинчисини тақозо қиладиган. *Табиат ҳамма нарсани бир-бирига мос, мутаносиб қилиб яратган. Қаердаки бу мутаносиблик бузилса, фожиа келиб чиқади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 *эск. айн.* **пропорционал**. *Шундай қилиб, ўтказгичдан ток ўтганда ажралиб чиқадиган иссиқликнинг миқдори ток катталигининг квадратига, ўтказгичнинг қаршилигига, токнинг ўтиб туришига тўғри мутаносиб экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

МУТАНОСИБЛИК Мутаносиб ҳолат. *..қирра бурун ва чиройли узун бўйин баланд қоматига мослаштирилган сингари мутаносибликни сақлаб турар эди.* С. Кароматов, Қалбимда қуёш. *Хотиранинг чуқурлиги билан кишининг истеъдоди ўртасида доимо ўзаро мутаносиблик бор.* «Фан ва турмуш». *Чунки табиатнинг, ҳаётнинг ўзи ақл бовар қилмайдиган даражада мутаносиблик қонуняти асосига қурилган.* У. Норматов, Талант тарбияси.

МУТАСАДДИ [*а.* متصدّى – бошқарувчи; бирор ишни бошловчи, ташаббускор] *кт.* **1** *тар.* Ўтмишда кичик амалдор.

2 Бирор ишни бошқариш учун тайинланган киши; ишбоши, бошлиқ. *Вақтида кўрак етказиб берилмаса, машина, одамлар ишсиз қолгудек бўлса, мутасаддиларнинг жиғига тегарди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Мутасаддиларнинг гапларига қараганда, Маллаевнинг.. даволаниш сарф-харажатлари хабари аввал Наврўз телемарафонига келиб тушган.* Газетадан.

3 *эск.* Бирор ишни ўз устига олган киши. *-Шартномада кўрсатилган миқдордан бир ярим баравар ҳосил олишга мутасадди бўламан, – деди Содиқ жиддият билан.* С. Айний, Қуллар.

МУТАФАККИР [*а.* متفكّر – фикр юритувчи, фикрловчи, ўйловчи] *кт.* Чуқур фалсафий фикрлаш истеъдодига эга бўлган киши, тафаккур эгаси. *Шарқда ўтмишда яшаб ижод этган барча мутаффакирлар.. халқлар дўстлиги ва иттифоқини орзу қилиб, ажойиб фикрлар айтганлар.* «ЎТА».

МУТАХАССИС [*а.* متخصّص – бирор соҳада ихтисос олган, ихтисос эгаси] Бирор соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлган киши, ихтисос эгаси. *Физиология мутахассиси. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари. Ёш мутахассислар.* ▬ *Мутахассислар иншоот қурилишига кетган харажат узоғи билан уч йилда қопланади, дейишмоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари».

МУТАХАССИСЛИК *айн.* **ихтисос.** *Билим юртини тугатганлар ўрта маълумот ва мутахассислиги тўғрисида диплом оладилар.* Газетадан.

МУТЕ [*а.* مطيع – итоат этувчи, бўйсунувчи] *кт.* Бировга қарам, тобе бўлган, итоат қилувчи, итоаткор. *Нусратбек бўлса, кўчага чиққанда, беклик даъвосини қилиб, уйига кирганда, Хушрўй бекка муте!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУТЕЛИК Бировга қарамлик, тобелик, итоаткорлик. *Одамнинг қадрини ерга урадиган мутелик – менинг ашаддий душманим.* П. Қодиров, Юракдаги қуёш.

МУТЛАҚ [*а.* مطلق– бирор нарса билан чекланмаган, шартсиз; ҳеч, асло] **1** Шак-шубҳасиз, шартсиз, ҳеч қандай шарт-шароитларга боғлиқ бўлмаган, чекланмаган, поёнига етган, мукаммал деган маъноларни билдирувчи тушунча; абсолют. *Мутлақ ҳақиқат. Мутлақ чемпион.* ▬ *Ҳақиқат мутлақ бир нарса эмас.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Режалаштиришнинг ўзи ҳам қотиб қолган мутлақ бир нарса эмас.* Газетадан.

Мутлақ ҳокимият Чекланмаган подшо ҳокимияти ва шундай ҳокимиятга асосланган идора усули; абсолют монархия.

2 Бутунлай, мутлақо. *Бойнинг катта ҳовлисида, мутлақ сукунат ичида, қори, имом никоҳ ўқиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди қўрқишдан фойда йўқлигига мутлақ ишонди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

МУТЛАҚО [*а.* مطلقاً – бутунлай, умуман; шубҳасиз, албатта] **1** *рвш.* Бутунлай, тамомила, батамом. *Қаршини ҳам таний олмайсан. Мутлақо ўзгариб кетган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 *юкл.* Инкорни таъкидлайди; асло, ҳеч, сира. *[Навоий асилзодаларнинг бирига:] Бирор қудуқ кавлатганмисиз? [Чол:] Йўқ. Мутлақо, юзлаб қудуқни қуритган.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ғаввос Муҳаммад ўз устидан кулишларини мутлақо эшитмаган эди-ю..* Мирмуҳсин, Меъмор.

МУТОЙИБА [*а.* مطائبه– ҳазил; қочирим; аския] *кт.* Бир-бирига қизиқ, кулгили, қочирим гаплар қилиш, ҳазилкашлик. *Мутойибада ошпазлар ҳам.. бўш келмадилар.* Ойбек, Навоий. *Ҳеч кимнинг юрагига ўйин-кулги, одатда, тўйларда бўладиган қувноқ мутойибалар сиғмас, ҳамманинг елкасидан аллақандай оғир юк босиб тургандай эди.* К. Яшин, Ҳамза.

МУТОЛАА [*а.* مطالعه – диққат билан ўқиш; ўрганиш] Диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш. *Ҳумайрабону ўғлининг ивирсиб қолганидан хавотир олиб, эшикдан мўралаганда, у яна мутолаага берилиб кетган экан.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Отабек.. жиддий равишда Фузулий мутолаасига берилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУТРИБ [*а.* مطرب – шодлантирувчи, завқлантирувчи; ашулачи; чолғучи] *эск. кт.* Созанда ва ашулачи. *Қилғай эрмиш мутриби ишқ ўз мақомини ироқ, Шул сабаб оҳанги ушшоқ гиряи афғон эмиш.* Э. Воҳидов.

МУТТАСИЛ [*а.* متّصل – туташ, боғлиқ; ёнма-ён; узлуксиз] Бир-бирига уланиб кетган; узлуксиз, тўхтовсиз. *Муттасил иш. Муттасил қатнов.* ▬ *Поёнсиз жазирама қум саҳросининг нақ ўртасидан офтобнинг муттасил жазиллатиб санчаётган найзаларига бардош бериб биров боради.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Уч кеча-кундуз муттасил ёққан лайлак қор куни кеча босилди.* С. Анорбоев, Оқсой. *[Амир Темур] Замондош ҳукмдорлар билан элчилик алоқаларини йўлга қўйиб, муттасил ёзишмалар олиб борган.* «Фан ва турмуш».

МУТТАҲАМ [*а.* متّهم – айбланувчи; шубҳага олинган, айбланган] Олди-берди муомалаларида нопок; фирибгар, қаллоб. *Муттаҳам одам.* ▬ *У [Мадаминхўжа] бир кўнгли бориб, муттаҳам қозининг тумшуғига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МУТТАҲАМГАРЧИЛИК *айн.* **муттаҳамлик 2.** *Муттаҳамгарчилик қилмоқ.* ▬ *Муттаҳамгарчиликка кoрафта А. Мираҳмедов хотинбозликдан ҳам хабари бор экан.* «Муштум».

МУТТАҲАМЛИК 1 Муттаҳам эканлик. *Унинг муттаҳамлигини билардим.*

2 Муттаҳамларга хос иш, хатти-ҳаракат; фирибгарлик, қаллоблик. *Ҳақини ташлаб кетинг! Агар муттаҳамлик қилсангиз, бу ердан соғ чиқмайсиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МУТТАҲАМЧИЛИК *айн.* **муттаҳамлик 2.** *..айрим раҳбарлар уларнинг ҳар хил муттаҳамчиликлари учун шароит яратиб берадилар.* Газетадан.

МУФАССАЛ [*а.* مفصّل – батафсил; мукаммал; тўла] Бутун тафсилоти, майда-чуйдаси, икир-чикиригача қамраб олган; тўлиқ, батафсил. *Муфассал изоҳот. Муфассал ҳисобот.* ▬ *Кешдан келган меъмор дўстига ҳамма бўлган воқеани жуда муфассал айтиб берган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Абдишукур тили қичиб, янгича тўй ҳақида, уламо, шариат ва мактаб тўғрисида муфассал изоҳ бермоққа чоғланган эди, лекин сўзни Ҳакимбойвачча илиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУФАТТИШ [*а.* مفتّش – нозир, назоратчи] *эск. кт.* Тафтиш қилувчи. *Ўзи бўри*

бўлса ҳам, қўй терисини ёпиниб олган Марғилон молия муфаттиши.. «Муштум».

МУФИД [*а.* مفيد – ибратли, насиҳатомуз; фойдали, нафли] *эск. кт.* Фойдали, нафли. *Ҳар бобда бағоят муфид мунозара бўлди.* Ойбек, Навоий.

МУФТ [*ф.* مفت – бепул, текин] *эск. кт.* Текин, бепул. *[Худоёрхон] Мамлакатни обод қилиш баҳонаси билан 1824 йилда Қўқон косибларини ҳақсиз – муфт ишлатиб, янги раста қурдирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУФТА [*нем.* Muffe] *тех.* Вал, тишли ғилдирак, труба ва ш.к. ни бириктириш, бир-бирига улаш ёки ажратиш учун хизмат қиладиган қисм ёки мослама. *Шофёр Мукаррамнинг юрагига қил сиғмаслигини сезиб, газ берди, сўнгра муфтани босиб, учинчи тезликни олди.* С. Кароматов, Ҳаёт қандай яхши!

МУФТИ(Й) [*а.* مفتى – фатво берувчи] *дин.* Мусулмонларда олий лавозимли руҳоний: шариат қонунларини талқин қилувчи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи лавозимли уламо. *Бошда қози билан амлокдор бир сафда, уларнинг кетидан раис билан миршаб бир сафда, улардан кейин туман муфтиси.. миршаб йигитлари ясов тортиб келдилар.* С. Айний, Қуллар. *Агар мен муфти бўлса эдим, шу мазмунда бир фатво чиқарар эдим.* С. Айний, Қуллар.

МУФТХЎР [*ф.* مفتخور– текин еювчи] *эск. кт. айн.* **текинхўр**. *Ҳар бир диннинг ўзига яраша муфтхўрлари бордир.* «Муштум».

МУХАММАС [*а.* مخمس – беш бурчакли; бешлик, бешталик] **1** *эск. айн.* **бешбурчак**.

2 *ад.* Беш мисрадан тузилган, ўзига хос қофияланишга эга бир неча банддан иборат шеърий жанрлардан бири.

Мухаммас қилмоқ *(ёки* **боғламоқ**) Бирор шоир ғазалининг ҳар байтига уч мисрадан қўшиб, мухаммасга айлантирмоқ. *Шоир 1882 йилда кўпгина воқеабанд ғазаллари, насрий латифалари ва Алишер Навоийга боғланган мухаммасларини йиғиб китоб қилиб, уни «Качкули қаландар» деб номлайди.* «ЎТА».

МУХБИР [*а.* مخبر – хабарчи, хабар берувчи; айғоқчи] **1** Таҳририят таркибида журналист сифатида хизмат қилувчи ходим.

2 Бевосита таҳририятда ишламайдиган, аммо оммавий ахборот воситаларида мунтазам ижодий ҳамкорлик қилувчи шахс. *Мажид билан Райҳонов олмослик мухбирнинг илгариги ёзган хабарлари оригиналини кўздан кечирмоқчи бўлишди.* М. Жўра, Ноширнома.

3 Бирор кимса ёки ташкилот билан хабарлашиб, хат ёзишиб турувчи киши. *Ёзувчининг мухбири.*

Мухбир аъзо Баъзи мамлакатларда, 2000 йилгача Ўзбекистонда: академияларнинг умумий мажлисида сайлов йўли билан тасдиқланадиган, атоқли олим ёки санъат арбобларига бериладиган, академикдан кичик унвон ва шу унвонга эга бўлган киши.

МУХЛИС [*а.* مخلص – самимий, очиқкўнгил; ихлосманд; садоқатли] **1** Бировга ихлос қўйган; ихлосманд. *Қутидор келгандан бери бир соат ҳам уйда бекор қолмай, ҳар кун Юсуфбек ҳожининг мухлисларидан бирининг уйида меҳмон ва ҳожининг суҳбатидан мамнун эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор нарсага қаттиқ берилган, уни жуда севувчи; муҳиб. *Шеърият мухлислари. Кино мухлислари. Шахмат мухлислари.* ■ *Меҳмонларнинг спектаклини.. минглаб санъат мухлислари томоша қилдилар.* Газетадан. *Миллионлаб футбол мухлислари томонидан катта қизиқиш билан кузатилган футбол бўйича XVIII жаҳон чемпионати баҳслари ҳам ўз ниҳоясига етди.* Газетадан.

3 Мухлис (эркаклар исми).

МУХОЛАФАТ [*а.* مخالفت – келишмовчилик, тескарилашиш; ҳуқуқбузарлик; итоат қилмаслик] Расмий ҳукумат ва унинг сиёсати билан келишмай, бошқача сиёсий йўл тутиб, амалдаги қонунлар доирасида фаолият юритиш. *Бу мухолафат.. кўп вақт шахснинг бўйнига сиртмоқ солади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МУХОЛИФ [*а.* مخالف– тескари, қарама-қарши; итоатсиз; душман] *кт.* Қарама-қарши фикрда бўлган, қарши чиқувчи, қарши. *«Ука, биз бир-икки кўйлакни ортиқ йиртганмиз, ҳа, бир оз кўрганмиз» дер, мундоғроқ мухолифини танг аҳволга солиб қўярди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

МУХТАСАР [*а.* مختصر – қисқартирилган, қисқа] *эск. кт.* **1** Қисқа, лўнда. *Чин сўз*

– *мўътабар, яхши сўз – мухтасар.* Мақол. ▬ *Бундан бошқа эшонни сўзга тутса, «келаси даромад» нинг қўлдан кетиш эҳтимоли бор, шунга биноан, махдум сўзни мухтасар қилмоқчи бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бирор асарнинг қисқартирилган варианти.

МУХТОР [*а.* مختار– сайланган; танлаб олинган; ихтиёри ўзида] **1** Бирор иш қилиш ҳуқуқи бўлган, ихтиёрига бирор иш топширилган. *Мухтор вакил. Мухтор элчи.*

2 *эск. айн.* **автоном**. *Мухтор жумҳурият.*

3 Мухтор (эркаклар исми).

МУХТОРИЯТ [*а.* مختاريّت – ихтиёри ўзидалик] *эск.* Конституциявий ҳуқуқда: бирон-бир ҳудуднинг унга конституция йўл қўйган чегараларда давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириш ҳуқуқи.

Қуқон мухторияти 1917 йил 26–27 ноябрда Қўқонда Бутун Туркистон мусулмонларининг фавқулодда 4-қурултойида ташкил топган ва 1918 йил 19 февралгача фаолият кўрсатган, Туркистон минтақасидаги дастлабки демократик ҳукумат.

МУХТОРИЯТЧИ *эск.* Мухторият тарафдори. *Мухториятчилар деҳқонга ер-сув беришга ожизлик қилардилар.* К. Яшин, Ҳамза.

МУЧА *эск.* **1** Киши аъзоси. [*Қамбар:*] *Қани, тортинг чилимни, мучангиз соғ бўлса ҳам, чилим сўришдан бошқа ишга ярамайсиз!* Ойбек, Танланган асарлар.

Тўрт муча Оёқ, қўл, кўз ва қулоқ. *Тўрт мучаси соғ одамга бекорчиликдан ёмон дард йўқ экан.* С. Сиёев, Аваз.

2 *тлш. айн.* **гап бўлаги** *қ.* **бўлак 1.** *Гапнинг бош мучалари.*

МУЧАЛ 1 Шарқий ва Марказий Осиёда кенг тарқалган, одатда 12 йилни қамраб олувчи ва ҳар бир йили бир ҳайвон (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз)нинг номи билан аталадиган ҳамда йил боши 22 мартдан бошланадиган йил ҳисоби.

2 Кишининг шу ҳисобдаги туғилган йили. *Ҳай, Шукур кампир, мучалингиз тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилганмисиз, нима бало, сира эл бўлмайсиз-а?* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

МУЧЧИ *шв.* Ўпич, бўса. *Молу дунёнг даркор эмас Оққизга, Ўхшатиб бир муччи олсанг бўлади.* «Равшан».

МУШ [*ф.* موش – сичқон] *айн.* **сичқон йили** *қ.* **сичқон 2.**

МУШАК I [*ф.* مشک – сичқонча] *айн.* **мускул.** *Собир ака.. оғир меҳнатдан эгилган, қўллари қадоқ, мушаклари чайир бўлиб кетган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУШАК II [*ф.* مشک – сичқонча] Турли таркибли порох моддалар билан тўлдирилган, ёқилганда осмонга кўтарилиб, хилма-хил, ажиб ранглар ҳосил қилиб портлайдиган снаряд, ракета (сайил ва тантаналарда мушакбозлик учун, ҳарбий ишда эса сигнал бериш ва ёритиш учун ишлатилади). *Осмон қаърига отилиб чиққан қизғиш ва тўқ яшил мушаклар ҳавода бир жом зар бўлиб сочилиб кетди.* О. Ёқубов, Излайман. *Салют ҳам бошланди. Ранго-ранг мушак Ҳисор водийсини қилди чароғон.* Газетадан.

МУШАК III [*ф.* مشک]*:* **мушак сабзи** Сабзининг йўғон, ғўласимон ва учи тўмтоқ тури.

МУШАКБОЗ Мушакбозлик мутахассиси.

МУШАКБОЗЛИК Сайил ва тантаналарда ранг-баранг мушаклар отиш. *[Элчи].. хоқоннинг зиёфатлари, сарой олдида бўлган мушакбозлик, хитой раққосалари тўғрисида ҳикоя қиларди.* М. Осим, Ўтрор. *Кечқурун байрам мушакбозлиги шаҳарни чароғон этди.* Газетадан.

МУШАРРАФ [*а.* مشرّف – шараф топган, шарафли; ҳурматли, муҳтарам; азиз] **1** *кт.* Шарафли, шонли. *[Аҳмад Ҳусайн:] Бу мушарраф, пок мамлакатимизда турли тадбирлар ва ислоҳотлар ила жамият ишларини тартибга солмоғимиз зарур.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Шарафга муяссар бўлган, шараф топган. *Она хатнинг мазмунидан, қизининг шунчалик ҳурматга мушарраф бўлишидан севиниб, кўзига ёш олди.* Р. Файзий, Фароғат.

3 Мушарраф (хотин-қизлар исми).

МУШК [*ф.* مشک – қора тусли, хуш исли нарса] Ҳайвон ёки ўсимликларнинг ўткир ҳидли моддаси: ҳайвон мушки баъзи ҳайвонларнинг эркагидаги мушк безларидан ҳосил бўлади (парфюмерия саноатида ишлатилади).

МУШК-АНБАР, **мушку анбар** Мушк ва анбар, хушбўй моддалар. *Ойимлар ўтирар ҳайкалин осиб, Мушку анбар ҳиди ҳар ённи босиб.* «Равшан».

МУШКЕТ [*фр.* mousquet] 16-асрда ихтиро қилинган, тагликка ўрнатиб отиладиган йирик калибрли пилта милтиқ.

МУШКЕТЁРЛАР [*фр.* mousquetaires] Мушкетлар билан қуролланган пиёда аскарлар.

МУШКУЛ [*а.* مشكل – қийин, мужмал; қийинчилик, оғирчилик] *сфт.* Ҳал қилиниши, ечилиши маҳол бўлган; қийин, оғир. *Мушкул иш. Мушкул вазифа. Мушкул аҳвол.* ▬ *Йўлчи ўзи учун мушкул масалани, яъни хўжайин олдига кириб, ундан пул талаб қилишни ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биродари азиз, аҳволингиз мушкул, ачинаман, илло кўмаклашишнинг уддасидан чиқолмайман.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 *от* Қийин иш, оғир аҳвол, қийинчилик. *Тўламат мўйлов, Шербекнинг мушкулини бирга тортишаётгандек, уйга чўмди.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Навоий:*] *Шоҳим, ҳар бир мушкулни ақл ва совуққонлик ҳал қилади.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 *от кам қўлл.* Ишкал чиқарувчи, чатоқчи, чатоқ. [*Сафар бўзчи:*] *Бирорта мушкул иғво қилдими, закотчининг томоғи тақилладими, қўлтиғимдаги бўзни ёппа олдиқўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [*Юсуфбек:*] *Ҳой Тўла, ҳушёр бўл! Мени биласан-ку, йигит-яланг ичида гапимни бермай юрган мушкулман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

МУШКУЛКУШОД [*а.+ф.* مشکل‌گشایی– қийинчиликларни ҳал қилиш, бартараф этиш] *дин.* Кишининг мушкулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида қилинадиган дуо ва ирим-сиримлар ва уни ўтказиш йиғини. *..бахтсизликнинг олдини олиш мақсадида.. чиллаёсин, мушкулкушод, биби сешанба ўқитиш – ҳаммаси диний хурофотлардир.* Газетадан. *Мен Қутлуғ кампирникига мушкулкушодга бораман, сен уйда қимирламай ўтиргин.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МУШКУЛЛАШМОҚ Мушкул бўлмоқ, қийинлашмоқ, оғирлашмоқ. *Иш мушкуллашди. Вазият мушкуллашди.* ▬ *Ҳосилни ёғингарчилик бошлангунча йиғиб-териб олмасак, қора совуқ тушгандан кейин иш янада мушкуллашади.* М. Назаров, Бўз йигит.

МУШКУЛЛИК Мушкул ҳолат, мушкул нарса. *Бу мушкулликдан қутулишнинг йўли фақат битта.* Газетадан. *..деҳқонларимиз обҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли келиб чиққан мушкулликларни мардонавор енгдилар.* Газетадан.

МУШКУЛОТ [*а.* مشكلات – қийинчиликлар, муаммолар] **1** *кт. айн.* **мушкуллик.** *Ёрмат катта мушкулот қаршисида қолган одам каби, бошини тебратиб, бир тутам соқолини юла бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу оғир мушкулотдан нажот истаб, қайси бир эшикни тақиллатмасин, ҳеч биридан марҳамат нидоси чиқмади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 *мус.* Мақомнинг биринчи чолғу қисми. *Мушкулоти «Уфор».*

МУШОИРА [*а.* مشاعره – шеърий ижоддаги тортишув; шеър айтишиш] **1** Шеъриятнинг бир жанри: икки ёки ундан ортиқ шоирнинг бир мавзуда бир-бирининг фикр ва туйғуларини ривожлантирадиган шеър айтишиш мусобақаси. *Ҳиротнинг олим ва шоирларидан маълум бир гуруҳи бу ерга тўпланар, муҳим асарлар ўқилар, қизғин суҳбатлар, мушоиралар.. бўлиб турарди.* Ойбек, Навоий.

2 Умуман, шеър айтишиш, шу борадаги тортишув, мусобақа. *Студентлар билан ўтказган учрашувимиз мушоирага айланиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МУШОҲАДА [*а.* مشاهده– кузатиш, кўздан кечириш, кўриш] *кт.* **1** Кузатиш, кўз билан кўриб текшириш. *Канизак аксари йўл бўйидаги ғўзалардан баъзилари шохлаб кетиши тўғрисидаги ўзининг мушоҳадаларини батафсил сўзлаб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Фикр юритиш, ўйлаш. *..у эса тинчиб, бус-бутун мутолаа ва мушоҳада дарёсига шўнғийди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Бадиий асарни таҳлил этиш, албатта, олимдан кенг мушоҳадани талаб этади.* «Фан ва турмуш».

Мушоҳада қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) кузатмоқ, кузатишдан ўтказмоқ. *Хатни очар экан, Ҳомиднинг юзида қувонч аралаш бир жиддият мушоҳада этилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) фикр юритмоқ, ўйлаб кўрмоқ. *Биз бу ғазал мусаннифини тутиб.. ғазал зимнидаги сўзларни мушоҳада қилиб кўрмоғимиз мақбулдир.* С. Сиёев, Аваз. *Содир бўлган вазиятни ҳар ким ўзича мушоҳада этарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

МУШТ [*ф.* مشت – муштум, муштум билан уриш; ҳовуч, кафт] **1** Кафт-панжанинг

зарб учун сиқимланган ҳолати; муштум. *Ботирнинг мушти ҳам яроғ.* Мақол. *Қўрққан олдин мушт кўтарар.* Мақол. ▬ *Нодирнинг қўллари мушт бўлиб, пай томирлари бўртиб чиқди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Муштум зарби. *Тор жойда ош егандан, кенг жойда мушт еган яхши.* Мақол. ▬ *Серсоқол, дов аскар билан олишиб, икки мушт билан уни гаранглатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУШТАК 1 *с. т. айн.* **муштдек.** *Осмондаги бўз турғай, Бўзламасанг на бўлғай? Муштаккина жонингга Куйламасанг на бўлғай?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Эски вақтларда бозор тарозидорларининг сотилаётган нарсадан оладиган тарози ҳақи. [*Ортиқ ака:*] *Мен сенинг молингни бойга «таппа-тах» ўлчаб бериб, бир ҳовуч муштак олишимни биламан.* С. Айний, Қуллар.

МУШТАРАК [*а.* مشترك– умумий, бирлашган, ўртадаги] *кт.* Кўпчиликка тааллуқли, ўртадаги, умумий. *Муштарак ер. Муштарак чегара.* ▬ *Бизлар мақсадлари умумий, муштарак бўлган қардошлармиз.* Н. Сафаров, Оловли излар. [*Шерназарбой:*] *Биз олий ҳазратнинг қулимиз, унинг хазинасини тўлдирмоқ биз ва сизнинг муштарак вазифамиздир.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУШТАРАКЛАШМОҚ Муштарак ҳолат касб этмоқ, муштарак бўлмоқ. *Мақсадлар муштараклашди.* ▬ *Ёшлик ва уйғониш даври — баҳор инсоний ҳисларнинг уйғониши билан муштараклашади.* Газетадан.

МУШТАРАКЛИК Муштарак ҳолат. *Бу яхлитлик эстетик идеалнинг муштараклиги туфайли, методологик принципларнинг умумийлиги туфайли вужудга келган эди.* Газетадан.

МУШТАРИЙ I [*а.* مشترى – Юпитер] *эск. айн* **Юпитер 1.**

МУШТАРИЙ II [*а.* مشترى – сотиб олувчи, харидор] *эск. кт.* **1** Харидор, олувчи.

2 *айн.* **обуначи.** *Муштарий бўлмоқ.* ▬ *«Фан ва турмуш» журналининг март ойи сони ҳадемай муштарийлар қўлига тегади.* Газетадан.

МУШТДАЙ, **-дек 1** Муштга ўхшаган, катта-кичиклиги, шакли муштча. *Муштдек ҳандалак. Муштдек олма.* ▬ *Муштдек кесак олиб, ўрикка отди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Тирмизак, ёш, кичкина. *-Мен муштдек вақтимдан ҳаммага яхшилик қилиб ўрганганман, — деди Султонмурод.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

МУШТИПАР Қўлидан бирор иш келмайдиган, ожиз, бечора (аёллар ҳақида). [*Тўлахон:*] *Эй худойим, мен нима қиламан энди? Бир муштипар бўлсам.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Орзу ҳавасингни кўрай, демаганмиди муштипар кампир.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МУШТЛАМОҚ 1 Мушт билан урмоқ. *Бир рус аёл ирғиб сўрига чиқиб, ҳалиги чўққи соқолни, елкасига муштлаб, сўридан итариб туширди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Айб ўзимда, — деди Нормат кўкрагига муштлаб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Мушт билан ишлов бермоқ, пишитмоқ. *Зумрад дўппидек хамирни қаттиқ-қаттиқ муштлай бошлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

МУШТЛАШ 1 Муштламоқ фл. ҳар н. *Хамир муштлаш.* ▬ *Мағрурланиш, кўкракка муштлаш.. кишини хижолат қилиб қўяди.* «Муштум».

2 Мушт солиб уришиш, ёқалашиш, уриш. *Улфатлар орасида низо чиқиб, муштлаш, пичоқбозлик бошланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

МУШТЛАШИШ 1 Муштлашмоқ II фл. ҳар. н.

2 Бир-бири билан мушт солиб уришиш, ёқалашиш.

МУШТЛАШМОҚ I **Муштламоқ 2** фл. бирг. н.

МУШТЛАШМОҚ II **1** Мушт солиб уришмоқ, ёқалашмоқ. *Давлатёр Олахўжанинг ўғли Маъмуржон билан муштлашмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир-бирига ёпишиб, муштга ўхшаб қолмоқ. *Конфетлар муштлашиб қолибди.*

МУШТОҚ [*а.* مشتاق– жуда-жуда хоҳловчи; интизор бўлувчи, соғинувчи] Зориқиш, сабрсизлик билан кутувчи; эришиш, кўриш ва ш. к. га истаги, иштиёқи кучли. *Она дийдорига муштоқ.* ▬*Тўнғич ўғлининг бахтини кўришга муштоқ онанинг бошидан бир челак сув қуйиб юборилгандай бўлди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Атрофида унинг латифаларига, қизиқ-қизиқ ҳангомаларига муштоқ бўлган беш-олтита ўсмирлар.* С. Анорбоев, Оқсой.

МУШТОҚЛИК 1 Муштоқ эканлик; интизорлик, зориқишлик. *Муҳаррам уни ғалаба билан табриклар, унинг тезроқ она шаҳрига қайтишига кўплар қатори муштоқлигини айтарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Муштоқ ҳолат. *Киши ҳар сафар баҳорни.. муштоқлик билан кутиши табиий.* Газетадан. *Ҳеч кимни муштоқлик дарди емасин, Мени олиб кетинг ўз диёримга.* А. Орипов, Йиллар армони.

МУШТУК [*нем.* Mundstück] **1** Папирос найчасининг тамаки тиқилмаган, оғизга олинадиган қисми.

2 Сигарет, ўралган махорка тиқиб чекиш учун мўлжалланган найча.

МУШТУМ 1 *айн.* **мушт**. *Муштум кўрсатмоқ. Муштум емоқ.* ▬ *Йўлчи.. Қора Аҳмаднинг башарасига, кўксига, қорнига тўқмоқдай муштуми билан тўхтовсиз тушира бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзбек тилида нашр этиладиган ҳажвий журнал номи. *«Муштум»нинг навбатдаги сони нашрдан чиқди.*

МУШТУМДАЙ -дек *айн.* **муштдай.** *..ёқасидан кўкрак суяклари муштумдай бўлиб уриб чиққан чолнинг юзида ҳаёт эмас, ўлим сояси бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *[Ота-оналар].. болаларининг келажагини ўйлаб, уларни муштумдекларидан меҳнатга ўргатадилар.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

МУШТУМЗЎР *тар.* **1** Батракларни, камбағал деҳқонларни ҳаддан ортиқ ишлатган мулкдор, бой деҳқон. *Ҳали ернинг кўп қисми муштумзўрлар қўлида эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Зўравон, гушна. *Муштумзўр йигит уни* [*Содиқни*] *бир туртди-да, «юр, юр, итвачча, жинни-минни бўлдингми» деб, судрай бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУШУК Мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич сутэмизувчи.

Бунга мушук ҳам офтобга чиқмайди Бу овора бўлишга арзимайди. **Ичини мушук таталамоқ** *(ёки* **тирнамоқ**) *қ.* **ич. Ораларидан қора (***ёки* **ола) мушук ўтди** Ораларида низо пайдо бўлди, оралари бузилди. *Яна ораларингдан мушук ўтдими, қовоқ-тумшуқларингни осилтириб ўтирибсизлар?* К. Яшин, Ҳамза.

МУШУКСИМОНЛАР Йиртқич сутэмизувчилар туркуми оиласи: катталиги ҳар хил, боши юмалоқ, думи одатда узун, бармоқларида юрувчи гепард, силовсин, қорақулоқ, тўқай мушуги каби жониворлар.

МУШФИҚ [*а.* مشفق – шафқатли, раҳмдил, меҳрибон] *кт.* Шафқат қилувчи, шафқатли. *Унинг сиймосида мушфиқ онадаги болажонликни, жафокашликни, олижанобликни кўрасиз.* Э. Охунова, Меҳр чашмаси.

МУШШАЙМОК *айн.* **шумшаймоқ**.

МУЮЛИШ *айн.* **муюш.** *Катта кўчанинг муюлишидаги тут тагига етганда, Алимардон бурилиб қаради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *..йўлкаларни тозалаб бўлгач, муюлишдаги дераза тагига келиб туради.* Ў. Умарбеков, Дутор.

МУЮШ Кўчанинг бурилиш жойи, иморатнинг ташқи бурчаги. *Қашқар дарвозасининг муюшига ҳам етган эди, ташқаридан кимнингдир дарвозани ургани эшитилиб, Азизбекнинг оти.. кетига бурилиб тўхтади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фотиҳадан сўнг қорихонанинг айвон муюшига чўнқайиб, болаларнинг ўйинини томоша қилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУЯССАР [*а.* ميسّر – осонлик билан юзага чиққан, ҳосил бўлган; муваффақиятли; яхши натижали] **1**: **муяссар бўлмоқ** 1) қўлга кирмоқ, насиб бўлмоқ. [*Ҳасанали:*] *Айби йўқ, ўғлим, муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) эришмоқ, муваффақ бўлмоқ. *Катта ютуқларга муяссар бўлмоқ.* ▬ *Катта билим даргоҳининг талабаси бўлишдек шарафга муяссар бўлди.* Газетадан.

2 Муяссар (хотин-қизлар исми).

МУҚАДДАМ [*а.* مقدّم – биринчи ўринга қўйилган; олдиндан тўланадиган; олд қисм; йўлбошчи] **1** (*б. к. ва ч. к. билан) кўм.* Пайт муносабатини ифодалайди; бурун, илгари, олдин. *Бундан уч йил муқаддам.* ▬ *Ярим соатча муқаддам бўм-бўш турган катта зал одамлар билан лиқ тўла.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Муқаддам (хотин-қизлар исми).

МУҚАДДАС [*а.* مقدّس – пок, тоза, азиз; илоҳий; олижаноб] **1** *дин.* Диндорлар тасаввурида илоҳиёт билан боғлиқ бўлган, азиз, табаррук. *Муқаддас жой.* ▬ *Токча деворига гул равишда туширилган дуо ёки шунинг каби*

муқаддас калималар ёзиғлиқ бир қоғоз ёпиштирилган. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Шарафли, олижаноб, юксак. *Табиатнинг бебаҳо неъмати сувни тоза сақлаш.. ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.* Газетадан. *Шариф Сулаймон халқнинг чин ўғилларидан. Халққа самимий хизматдан кўра юксакроқ, муқаддасроқ нарса йўқ, деб билади у.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳозир иккиси* [*Йўлчи билан Гулнор*].. *қалбларида йилларча сақланган муқаддас орзуларига етишганликларидан, иккиси ҳам маст каби эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Муқаддас (хотин-қизлар исми).

МУҚАДДИМА [*а.* مقدّمه – олд қисм; кириш жойи, қисми; нутқ, асарнинг бошланмаси] **1** Адабий-бадиий, илмий, мусиқий асарлар ва б. нинг бошланиш қисми; кириш, дебоча. *Китобнинг муқаддимаси. Муқаддима бермоқ.* ▬ *Бу хил муқоясага.. Истамбулда нашр этилган Фузулий девонига ёзилган муқаддимани мисол қилиб кўрсатиш мумкин.* «ЎТА».

2 Гап ва нутқда асосий мақсадга кўчишдан олдин айтилган сўзлар, гапнинг даромади. *Бўтабой қисқача бир муқаддимадан кейин мажлисни очиб, бинокорлик бригадасининг бошлиғи Тўлаганга сўз берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Меҳмон гапнинг муқаддимасини яхшигина бошлаган, энди бирор йўл топиб, асли муддаога ўтиши керак эди.* С. Айний, Дохунда.

3 Бирор ишнинг боши, дастлабки босқичи, дебочаси. *Кумушнинг эрдан чиққан хабарини Кумушнинг ўзидан ҳам илгари тушунган ва Отабекдан ҳам илгари сезган Ҳомиднинг совчиси бошқа совчиларнинг муқаддимаси эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУҚАЛЛИД [*а.* مقلّد –тақлидчи] Ўзбек анъанавий театрининг жанри; шу жанр ижрочиси (Муқаллид шаклидаги томошаларда қуш ва ҳайвонларга тақлид қилинган, ҳаётдаги баъзи кишилар хулқ-атвори, қизиқ воқеалар кулгили тарзда акс эттирилган).

МУҚАРРАР [*а.* مقرّر– маълум, белгили, қайд этилган] **1** Вужудга келиши, юз бериши, амалга ошиши аниқ бўлган, шубҳасиз, турган гап. *Аҳмад ичида ўзини койиди.. нега шошдинг, ахир шундай жавоб олишинг муқаррар эди-ку.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Иш шу хилда борса, кайфият шу бўлса, ҳадемай капсанчилардан биронта ҳам яккахўжалик қолмаслиги муқаррар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қарор топган, турғун ҳолга келган; тайинли. *Муқаррар тартиб. Муқаррар қилмоқ.*

МУҚИМ [*а.* مقيم – бир ерда истиқомат қилувчи, (доимий) турувчи] **1** Бир ерда доимий турувчи, туб жойли. *Ғиждувоннинг муқим савдогарларининг дўконлари, саройлари бино бўлган чорсуда савдогарларнинг моллари қўриқлайдиган уч-тўрт нафар қоровул кўзга кўринди.* С. Айний, Қуллар.

2 Доимо бўладиган, доимий. *Ўйлаб қараса, унга [Акбарга] ҳам мавсумий иш эмас, муқим иш зарур экан.* Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

3 Муқим (эркаклар исми).

МУҚОБАЛА [*а.* مقابله – таққослаш, солиштириш; учрашув; қабул қилиш; ўрнини тўлдириш, қоплаш] *эск. кт.* Қаршилик, қарши туриш; жавоб ҳаракати. *Отабек бу терс ва қўрс муқобаладан тоқатсизланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йигитча Зебидан муқобала кўрмагач, қўлини тортиб олди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

МУҚОБИЛ [*а.* مقابل – қарши турувчи, қарши, зид; ўрнини алмаштирувчи] **1** Қарши борувчи, қарши турувчи, зид. *Муқобил томонлар.* ▬ *Урушни бошлабон, қочди ўзи бўлмай муқобил, кўр, Қочиб билмамки, охир кетди Афғон ичра Қобил кўр.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қарама-қарши йўналган; қарама-қарши йўналишда. *Муқобил юк ташиш.*

3 Жавоб бўлувчи, жавобан амалга оширилган. *Муқобил даъво.* ▬ *Бунинг учун у буюк ўзбек классик шоири асари тилига хос ўта нозик, чиройли сўз ва ибораларнинг ҳозирги рус тилидаги мос келадиган муқобилларини излаб топишга ҳаракат қилади.* «Фан ва турмуш». *Мақсадимиз зиммамизга янги муқобил режа қабул қилишдир.* Газетадан.

МУҚОВА Китоб, журнал, дафтар ва ш.к. ни яхлит қилиб бириктириб турувчи, ички варақларга нисбатан қалинроқ материалдан ясалувчи сирт қисми. *Картон муқова. Чарм муқова.* ▬ *Ботирали ҳисоб дафтарининг кўк муқовасига чизилган суратга тикилиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Китобнинг муқоваси*

кўркам, китобхон уни қўлга олиши билан баҳридили очилиб кетади. Газетадан.

МУҚОВАЛАМОҚ Муқова ичига олиб тикмоқ, муқова қилмоқ, муқова билан қопламоқ. *Китоб(ни) муқоваламоқ.* ▬ *Саидмухтор ўзи доим обуна бўладиган «Ғунча» ва «Гулхан» журналларининг ўтган йилги сонларини тўплаб, муқовалаб ўтирарди.* С. Абдуқаҳҳор, Икки ўртоқ.

МУҚОВАМАТ [*а.* مقاومت– қаршилик, қарши хатти-ҳаракат] *эск. кт.* Қаршилик, монелик, қарши туриш. *Элчилар келди, ҳеч қандай муқовамат кўрсатмасдан, шаҳарни таслим этишни таклиф этишди.* Ойбек, Навоий.

МУҚОВАСОЗ Китоб муқовалайдиган киши, уста.

МУҚОВАСОЗЛИК 1 Китоб муқовалаш иши, касби. *Муқовасозликни ўрганмоқ. Муқовасозлик қилмоқ.*

2 Китоб муқовалайдиган устахона ёки цех. *Муқовасозликда ишламоқ.*

МУҚОВАЧИ *айн.* **муқовасоз**.

МУҚОВАЧИЛИК 1 Муқовачи касби, ҳунари.

2 *айн.* **муқовасозлик 1, 2.** *Муқовачилик цехи. Муқовачилик қилмоқ.*

МУҚОМ [**мақом** сўзидан] **1** Рақсда мусиқа ритм-усулига мос ҳаракат; мақом. *Муқом қилмоқ.* ▬ *Сознинг дилни қитиқловчи шўх оҳангига Лолахон жуда мос муқом билан ўйнар эди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 Уйғур мумтоз мусиқасининг асосий жанри.

МУҚОЯСА [*а.* مقايسه – таққослаш; баҳолаш] Қиёс қилиш, солиштириш, чоғиштириш; қиёс. *Муқояса учун мисол олмоқ. Муқояса қилмоқ* ▬ *[Обид] Ҳозир Хатиб домла билан Бердибойнинг ташвиқотларини бирбирига тўқнаштириб муқояса қилиб ишлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МУҒ [*ф.* مغ] *эск. кт.* **1** Зардушт динига мансуб киши; оташпараст; оташпарастлар руҳонийси; коҳин.

2 *кўчма поэт.* Майхона эгаси; майфуруш.

МУҒАМБИР, муғомбир [*а.* مغامر – таваккалчи, қалтис иш қилувчи *ёки* معبّر – тушни таъбирловчи] Алдоқчилик билан иш кўрувчи; айёр, қув. *Муғамбир тумшуғидан илинар.* Мақол. ▬ *Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам эди.. муғамбир, пухта-пишиқ.. ҳар ишда эҳтиёткорликни маъқул кўрар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУҒАМБИРЛИК Муғамбир кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; қувлик. *Дадамат аканинг сўзлашида мижғовликдан, муғамбирликдан, ясамаликдан асар ҳам йўқ эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МУҒАМБИРОНА Муғамбирлар каби, муғамбирлик билан. *Жалил «Айта берайин» дегандай, Зиёдахонга муғамбирона жилмайиб қаради.* С. Анорбоев, Оқсой. *[Элмурод] Зокиржон қассобнинг сиёсат ҳақидаги муғамбирона саволларига оқ кўнгил билан жавоб беришга тиришганини эслаб, қизарар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МУҒАМБИРЧИЛИК *айн.* **муғамбирлик.** *Бизда сансалорлик, такаббурлик, муғамбирчилик, кибру ҳавога берилиш деган гаплар бўлмайди.* М. Исмоилий, Икки қиз ҳикояси.

МУҒАННИЙ [*ф.* مغنّى – ашулачи, созанда] *эск. кт.* Нағма чалувчи созанда, нағма билан қўшиқ айтувчи хонанда. *Тўхтасин ака.. Андижоннинг машҳур муғаннийлари билан дўстлашди.* С. Абдулла, Халқ бастакори. *Нозиктаъб шоирлар қасидасида, муғаннийлар қўшиғида Найманча таърифланган.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МУҒОЙИР [*а.* مغاير – фарқланувчи; турли хил; бир-бирига ўхшамаган] *эск. кт.* Хилоф, тескари. *Жавоб тамом ҳақиқатга муғойир ва кишини ҳайратга соларлик бўлди: -Бу кун жўнамоқчи бўлиб турибман,—деди [Отабек].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУҲАББАТ [*а.* محبّت– севги, ишқ; боғланиш] **1** Кимсанинг кимсага қалбдан берилиш ҳисси; севги, ишқ. *Муҳаббат чирой танламас, уйқу – ўрин.* Мақол. ▬ *Қиз Йўлчини чуқур севар, унинг ёлғиз исмини эшитиш билан юраги тўлқинланар эди. Бу муҳаббат қизнинг кўнглига ёз чоғи.. саратон қуёши билан бирга кирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳаммаси жойида, фақат ўртайди Висолни қўмсаган оташ муҳаббат.* Г. Жўраева, Иқбол.

2 Бировга, бирон нарса ёки ишга берилиш, мойиллик туйғуси, меҳр. *Мусиқага муҳаббат қўймоқ. Санъатга бўлган муҳаббат.* ▬ *Полвонларнинг бирига муҳаббат, иккинчисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё кураши акс этгандек эди.* М. Исмоилий, Фар-

ғона т.о. *Отам бўлмасангиз ҳам, мени оталик муҳаббати билан севган содиқ ва меҳрибон кишимсиз, яъни маънавий отам.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Муҳаббат (хотин-қизлар исми).

МУҲАДДИС [*а.* محدّث – ҳикоячи, ҳамсуҳбат; ҳадис олими, ҳадис айтувчи] Ҳадисларни тўплаш, саралаш ва шарҳлаш билан шуғулланган илоҳиётчи.

МУҲАЙЁ [*а.* مهيّاء – тайёр, тайёрланган] **1** Таппа-тайёр; мавжуд. [*Хадича:*] *Ош тайёр. Ичкарида дастурхон солиғлиқ, ҳамма нарса муҳайё.* Уйғун, Навбаҳор.

Муҳайё қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Тайёр ҳолга келтирмоқ. *Чой олиб келинди, кетма-кет таомлар муҳайё қилинди.* «Муштум». *..меҳнат қилишлари ва мароқли дам олишларига ҳамма нарса муҳайё этилган.* Газетадан.

2 Муҳайё (хотин-қизлар исми).

МУҲАММАДИЙ *дин.* Муҳаммад динидаги; мусулмон.

МУҲАНДИС [*а.* مهندس – инженер, техник; ҳандаса (геометрия) ни яхши билувчи, қурувчи уста] Техниканинг бирор соҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассис. [*Исломхўжа:*] *Жадид мактабларни кўпроқ очиб, дунёвий фанларни ўқитиб.. муҳандис, зироатчи, доктор, техник тайёрлаб чиқаришимиз лозим.* Ж. Шарипов, Хоразм. *..усталарни ҳам, янги бино лойиҳаси устида бош қотираётган муҳандисларни ҳам учратасиз.* О. Ҳакимов, Сув келтирган азиз.

МУҲАНДИСЛИК Муҳандис иши, касби. *Аҳмад Дониш ўз замонасининг кўп нодир асарлар ёзган буюк олими.. эканлигини пухта биламан-ку, аммо ўткир муҳандислиги боисида унча маълумотим йўқ..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

МУҲАРРАМ [*а.* محرّم – ман, ҳаром қилинган, тақиқланган; ой номи] **1** Қамария йил ҳисобида биринчи ойнинг арабча номи. *Амир Музаффариддин 1868 йил мартида, яъни мусулмонлар ҳисобича, янги йил кирадиган муҳаррам ойида Туркистон ўлкасини босиб олиш учун Россияга қарши ғазавот эълон қилган эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Муҳаррам ойи *айн.* **муҳаррам 1.**

2 Муҳаррам (хотин-қизлар исми).

МУҲАРРИР [*а.* محرر – озод этувчи; таҳрир қилувчи; ёзувчи] **1** Нашриёт ёки бошқа масъул нашрларда муайян матнни турли жиҳатдан таҳрир қилиб, босмага тайёрловчи ходим. *Адабий муҳаррир. Техник муҳаррир. Бош муҳаррир. Масъул муҳаррир.*

2 Айрим матбуот органларига раҳбарлик қилувчи шахс. *Кекса ишчи газетанинг муҳарририга қараб: -Нега бунга читтак деб лақаб қўйдиларинг? – деди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Муҳаррир бошлиқ редакциянинг ҳамма ходимлари тўйга бордик.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

3 *эск.* Муаллиф, автор. *Мактубнинг муҳаррири.*

МУҲАРРИРИЯТ *қ.* **таҳририят, редакция.** *Муҳарририят деворий расмлар репродукцияларини тайёрлаганликлари учун [меъморларга] ўз миннатдорчилигини билдиради.* «Фан ва турмуш».

МУҲАҚҚАҚ [*а.* محقّق – амалга оширилган; шубҳасиз; муқаррар; тўғрилиги исбот этилган, аниқ] *эск. кт.* Ҳақиқатдан иборат бўлган, ҳақиқатлиги аниқ; чин. *Бу ғамли, бевафо фоний оламни Тарк этмоқ муҳаққақ шоҳу гадога.* Э. Воҳидов.

МУҲИБ [*а.* محبّ – севувчи, дўст тутувчи; мухлис; хуштор] *эск. кт.* **1** Севувчи, яхши кўрувчи, ишқивоз. *Китоб муҳиби. Шеър муҳиби.* ▬ *Мўмин кофир адабиёт муҳибларини ҳангу манг қилиб қўйди.* «Муштум».

2 *айн.* **дўст**. *Эй муҳиблар, юрган экандур фароғатда деманг, Соғиниб сизларни тун-кун, уйқу йўқ бедорман.* Муқимий.

МУҲИМ [*а.* مهمّ – керакли, аҳамиятли; жиддий] Алоҳида аҳамиятга эга бўлган, аҳамият жиҳатдан биринчи даражали. *Муҳим масала. Муҳим иш. Муҳим воқеа.* ▬ *Анвар.. атроф ҳокимларидан бу кун келган нома ва аризаларнинг муҳимини аҳамиятсизидан ажратиб, ҳудайчига топшириш учун тайёрлар.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУҲИТ I [*а.* محيط – ўраб олган, иҳота этган, иҳота этилган] **1** Ҳаёт, фаолият кечадиган табиий ёки ижтимоий шароитлар мажмуи. *Географик муҳит. Ижтимоий муҳит.* ▬ *Қишлоқ муҳити, ота-онанинг ўта оққўнгиллик руҳида берган тарбияси Йигиталининг қон-қонига сингиб кетганди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Мактабни битиргач, ҳаммамиз ҳар ёққа тарқашиб кетамиз. Кейин ҳар ким ўз муҳитида ўз иши билан овора бўлиб кетади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Касб-ҳунари, иши, фаолияти ва ш.к. га кўра бир-бири билан боғлиқ бўлган кишилар доираси. *Мен қози домла ва Асад қори каби ҳурматли зотлар муҳитига ўзимни топшириб, дарёдан айрилиб чиққан ариқчадай, халқимдан айрилиб чиқиб, охири қуриб қолишга маҳкум бўлган эканман.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Табиийки, она учун ҳам ёлғиз фарзанд арзанда эди. Бу муҳит Давронни ҳаволантириб қўйди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

3 Ҳодиса, жараён ва ш.к. кечадиган моддий шароит. *Ёруғликнинг турли муҳитда турлича синиши.*

МУҲИТ II [*а.* محيط – океан] **1** *эск. айн.* **океан**.

2 Муҳит (эркаклар исми).

МУҲЛАТ [*а.* مهلت –муддатни чўзиш, вақтинча тўхтатиш] Бирор иш учун тайин қилинган аниқ вақт бўлаги; муддат. *Уч кунлик муҳлат. Муҳлат бермоқ.* ▬ *-Кўчиб кетиш муҳлати ўн кун, – деб бақириб қолди оқсоқол унинг кетидан.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУҲОЖИР [*а.* مهاجر – ҳижрат қилган, бошқа жойга кўчиб кетган] Ўзи фуқаро бўлиб турган ёки доимий яшаётган мамлакатини ташлаб, бошқа давлатга доимий яшаш учун жўнаб кетувчи киши. *Сиёсий муҳожир.* ▬ *Аҳмад Ҳусайн шаҳар сиртида муҳожирлар.. орасида тинчлик ҳақида муҳим, жиддий тортишувлар билан баҳсни битиргандан сўнг, ҳорғин, ўйчан қайтар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

МУҲОЖИРЛИК Муҳожирга хос ҳаёт, шарт-шароит. *Муҳожирликда яшашга мажбур бўлган ёш бухороликларга келганда шуни айтиш керакки..* Газетадан.

МУҲОКАМА [*а.* محاكمه– судлашиш, даъволашиш; ҳукм қилиш] **1** Бирор хулосага келиш учун кўпчиликнинг фикрини олиш, фикрлашиш, ҳар томонлама ўйлашиш. *Масалани муҳокамага қўймоқ. Аризани муҳокама қилиш.* ▬ *Иброҳимов қаерга бормасин, шундан гап очилиб, ҳар ким ўз фикр-мулоҳазасини айтар, Ўрмонжон айтмоқчи, масалани бутун халқ муҳокама қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Фикр юритиш, мулоҳаза; фикр. *Муҳокамаси йўқ одам. Муҳокама билан иш қилмоқ.* ▬ *-Баъзи енгил муҳокамаларинг онангникидан қолишмайдир, Отабек!. – деди [ҳожи].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бундай ишга бениҳоят уқув, чапдастлик, хўш, яна муҳокама ва моҳирлик керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

Муҳокама қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) муҳокама ўтказмоқ. *..қўриқ очиш масаласи муҳокама қилинганидаёқ ҳаммани бўрон билан қўрқитмоқчи бўлган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *«Журналист» саҳифаларида адабий жанрлар, услуб, тил, касб этикаси масалалари ҳар томонлама муҳокама этилмоқда.* Газетадан; 2) муҳокама, фикр юритмоқ; ўйламоқ. *Худди Элмуроддек Зебо ҳам уйига қайтиб, ўз хатти-ҳаракатини, Элмурод билан қилган суҳбатини муҳокама қиларди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Анвар, кечаги кунларда ҳиссиётга қаттиқ берилиб, китоб сўратиш оқибатини яхши муҳокама этмаганидан пушаймон эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУҲОКАМАЛИ Муҳокама билан, ўйлаб иш юритадиган (*қ.* **муҳокама 2**). *Ўттизда киши муҳокамали бўлиб, қони совинқираб қолади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Йўлдош ҳам Элмурод каби билимли, муҳокамали, "Кўкламги заҳмат – қишки роҳат", деб узоқни кўзларди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

МУҲОРАБА [*а.* محاربه – уруш, жанг] *эск. кт.* Уруш, жанг. *Биринчи жаҳон муҳорабаси.* ▬ *[Абдишукур] Бўлиб ўтган «Болқон муҳорабаси»ни тилга оларкан, уруш воқеаларини тинглашни яхши кўрган Мирзакаримбой дарров унинг сўзини кесди: -Қайси қирон билан урушди?* Ойбек, Танланган асарлар.

МУҲОСАРА [*а.* محاصره – қамал, ўраб олиш] *эск. кт.* Қамал, қуршов; блокада. *Ҳануз Тошкент Қўқон сипоҳлари томонидан муҳосара ҳолатида эканлиги тўғрисида хабарлар келиб турмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУҲОФАЗА [*а.* محافظه – сақлаш; ҳимоя қилиш] *кт.* **1** Ҳимоя қилиш, қўриқлаш, ҳимоя. *Кейинги пайтларда биз атроф муҳит муҳофазаси ҳақида кўп гапирадиган бўлдик. Бу табиий.* Газетадан. *Табиий, бу муҳофаза қўрғони. Атрофини ўраган девордан ўқ отиш учун шинаклар қўйилган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

Муҳофаза қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ҳимоя қилмоқ; қўриқламоқ, ҳимояламоқ. *Атроф*

муҳит ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш жуда муҳим масала. «Фан ва турмуш». *Табиатни муҳофаза этиш, жумладан, ҳайвонот дунёсини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга.* Газетадан.

2 Эсда сақлаш қобилияти; хотира. [*Мавлон*] *Эшитганини сира эсдан чиқармайдиган зеҳн-фаросатли, муҳофазаси бақувват йигит.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

МУҲОФАЗАКОР [*а.+ф.* محافظه‌کار – консерватор; эскилик тарафдори] *эск.* Мутаассиб, консерватор. *Баъзи муҳофазакор колхозчилар бир неча кун.. бу қарорни миясларига сиғдиролмай юрадилар.* А. Қодирий. Обид кетмон. -*Ростдан ҳам муҳофазакор бўлиб кетяпсизми, Ҳошимжон? ..давлат манфаатини кўзлаган кишиларнинг боши нега ғалва остида қолар экан?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

МУҲОФАЗАКОРЛИК *эск.* Мутаассиблик, консерваторлик, консерватизм.

МУҲОФАЗАТ [*а.* محافظت– сақлаш, ҳимоя] *кам қўлл. айн.* **муҳофаза**. *Эшикдан икки қуролли йигит муҳофазатида Отабек ва Мирзакарим қутидор кўриниб, бекка қуллуқ қилдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУҲОФИЗ [*а.* محافظ– сақловчи, муҳофаза қилувчи] *кт.* Муҳофаза, ҳимоя қилувчи, ҳимоячи, қўриқчи. *Ўрданинг ғиштин, кунгурадор қўрғонлари ости билан жазойирий қилич тақинган махсус муҳофиз йигитлар айланиб, бегона кишини қўрғон яқинига йўлатмас.. эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУҲР [*а.* مهر – муҳр; тамға; шуларнинг изи] **1** Юридик ёки жисмоний шахснинг номи тўлиқ ёзилган матннинг (матн ва расмнинг) қабариқ ёки ботиқ тасвири бўлган босма шакл (асбоб) (Қоғоз, сурғуч, мум ва б. материалларга нусха тушириш учун хизмат қилади). *Мана, нома тайёр. Фақат муҳрингизни боссангиз бас.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. -*Мулла Шарофиддиннинг муҳри бор бу васиқаларда. Муллажон қозининг муҳри бор! – деди* [*кампир*] *васиқаларни титкилаб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Тамға; герб. *Бир ерда учта пул ётипти: иккитаси сийқа-сийқа бўлиб кетган, биттасининг муҳри йўқ.* «Эртаклар».

МУҲРА [*ф.* مهره – юмалоқ нарса; мунчоқ] Болта, теша, кетмон каби асбобларнинг тиғга қарама-қарши томони, орқа қисми. *Онда-сонда учраган катта кесакларни кетмоннинг муҳраси билан бир ур-да, кетавер!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Алангла6 ўрнимдан туришим билан домланинг қўлидаги тескари ушланган болтанинг муҳраси елкамга келиб тушди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

МУҲРДОР *тар.* Хон, амирлар саройида муҳр сақловчи амалдор. *Мактубни хон оталиққа, оталиқ муҳрдорга беради.* У. Исмоилий, Сайланма.

МУҲРКАН [*а.+ф.* مهره – муҳр ўювчи, муҳрга ўйиб нақш ясовчи] Муҳр(лар) ясовчи ўймакор уста. *Бобом билан Худойберган муҳркан ҳам шу тарзда яшаб ишлаган.* Газетадан.

МУҲРКАНЛИК Муҳр ясаш, муҳрга ўйиб нақш солиш иши; муҳркан касби. *Комилжон мадраса илмларидан ташқари, шоирлик, бастакорлик, хонандалик ва, албатта, отамерос касб – хаттотлик, муҳрканлик, ўймакорликка ҳам қизиққан истеъдод эгаси эди.* Газетадан.

МУҲРЛАМОҚ 1 Муҳр босмоқ, муҳр билан тасдиқламоқ. *Турсунали Исроиловга эртасигаёқ бош инспектор-ревизор деган лавозим муҳрлаб берилди.* «Муштум».

2 Фойдаланиш, очишни тақиқловчи белги (муҳр) қўймоқ. *Бўлди, ишимиз тамом, муҳрланг хонани, лозим бўлса, яна очармиз.* Ойбек, Нур қидириб.

3 *кўчма* Ўлмас, йўқ бўлмас қилиб олмоқ. *Ҳар бир кўрган нарсасини кўнглига муҳрлаб олмоқчи бўлгандек синчиклаб кузатарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Оғизни (*ёки* **тилни**) **муҳрламоқ** Мутлақо гапиртирмай, оғиз очирмай қўймоқ, гапирмайдиган қилиб қўймоқ. *Гулнорнинг заҳарланганини Мирзакаримбой ва ўғиллари қатъиян рад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналарининг тилларини дўқ-таҳдид билан муҳрлашга тиришдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУҲРЛИ Муҳр босилган; тамғали. *У [Султонмурод] қўлида бир парча муҳрли қоғоз билан.. хушнуд бўлиб чиқди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

МУҲРОНА *тар.* Муҳр босувчи амалдорга бериладиган пул, муҳр ҳақи. *Сотувчи ва олувчи ўзаро келишганларидан кейин.. қози-*

хонага бориб, васиқа қилиб, қозикалонга тегишли муҳронани бериб, муҳр бостирганлар. С. Айний, Эсдаликлар.

МУҲТАРАМ [*а.* محترم – ҳурматли, қадрли, азиз] **1** Ҳурмат ва эҳтиромга сазовор, ҳурмат, қадр қилинувчи; ҳурматли. *Муҳтарам ўқитувчилар. Муҳтарам ўртоқ.* ▬ *Сенга чексиз шараф бўлсин умрбод, Муҳтарам, азизим, муаллим, устод.* Х. Расул.

2 Муҳтарам (хотин-қизлар исми).

МУҲТАСИБ [*а.* محتسب – тарози ва ўлчовлар нозири] *тар.* Ўрта аср мусулмон давлатларида дин ва жамоат тартибини сақловчи, диний урф-одатлар, амалларга риоя қилинишини назорат этувчи амалдор. *Дарвозада уларга қўлида қамчи тутган, икки ёнида икки мулозим эргаштирган муҳтасиб учради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МУҲТАШАМ [*а.* محتشم – муҳтарам, ҳурматли; ҳашаматли] *кт.* **1** Ҳашамат билан ишланган, ҳашамат берилган, улуғвор ва серҳашам. *Хотин.. ўрданинг улуғ, муҳташам дарвозасига яқинлашгандан кейин ўнгдаги айри йўлга бурилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Улуғвор. *Балки бахт дегани мана шу ҳолдир, Балки шу муҳташам толе, иқболдир.* А. Орипов.

МУҲТОЖ [*а.* محتاج – эҳтиёжи бор; ҳожатманд] **1** Бирор нарсага эҳтиёжи, зарурати бўлган; зарурат, талаб сезувчи. [*Отабек*] *Отда келган бўлса ҳам, куннинг иссиқлигидан бир пиёла чойга муҳтож эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қизим, сенинг ёрдамингга муҳтожман. Ҳа, умидим катта.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жиноятни пулга муҳтож одам эмас, пулни қаерга қўйишни билмаган одам қилади.* Газетадан.

2 Бечораҳол, қашшоқ, ҳожатманд. *Золим бойлар мазах қилиб куларди. Раҳми келмай муҳтожларнинг ёшига.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Биз ўша вақтда муҳтож бўлган бева-бечораларни йиғиб, ош бериш мақсадида бир бостирма солдик. А.* Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МУҲТОЖЛИК 1 Муҳтож эканлик. *Хонзода бегим укасининг ўзи чиндан ҳам ёрдамга муҳтожлигини.. сезди-ю, кўзини тез артди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Эҳтиёж, талаб. *Ўша вақтда адабий кадрларга муҳтожлигимиз ҳар кун, ҳар соатда кўриниб турарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Моддий қийинчиликдаги ҳаёт; бечорачилик. *Муҳтожлик тортмоқ. Муҳтожликда яшамоқ.* ▬ *Анвар Мурод Покистон ҳукумати, давлат ишлари устида тўхталиб, фалокатларимиз кўп, айниқса, халқимиз қашшоқлик, муҳтожлик чангалида, деди.* Ойбек. Нур қидириб.

МЭР [*фр.* maire < major – катта, бош; бошлиқ] Муниципалитет бошлиғи, маҳаллий ҳокимият бошқарувчиси; шаҳар ҳокими.

МЎЙ [*ф.* موی– соч толаси, тук; юнг] Инсон ва ҳайвон терисида ўсиб чиққан, шох моддасидан иборат бўлган тук, қил. *Каримберди мўй босган бурун катакларидан бурқситиб тутун қайтарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Кўзларига ишонмагандек яна ўқиб, баданидаги ҳар бир мўйи тик бўлди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Бир мўйи (ҳам) қимирламади Эътибор бермади, парвосига ҳам келтирмади. *Унинг [Уйўғлоннинг] бу сўзини эшитган Амир Темурнинг бир мўйи ҳам қимирламади.* Х. Давron, Амир Темур ўғлининг ўлими.

МЎЙЛАБ [*ф.* مویلب – лабнинг туки, лаб устидаги тук] Мўйлов, мурт. -*Иншолло! – деди энди мўйлаби сабза урган Шодмонбек кексаларга ўхшаб.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МЎЙЛОВ [*ф.* مویلب] **1** Юқори лабнинг устини қоплаган мўйлар, мурт. *Абдишукур.. қисқа мўйловининг икки учини ингичка бураб, бурнининг катакларига еткизган.. ўттиз беш ёшли ориққина киши.* Ойбек, Танланган асарлар.

Мўйлов қилмоқ Мўйлов ҳаракати билан ишора бермоқ. -*Мана энди ўзингиз келиб қолдингиз, унча-мунча камомадим бор, бир мўйлов қилиб юборсангиз,– деди Раҳмон Холматов раисга.* Н. Сафаров, Узоқ давом этмасин-да. *Буни кўрган Мастонов «ўлтирабер» деган маънода мўйлов қилиб қўйди.* «Муштум».

2 *с.т.* Мўйлов қўйган, мўйлови бор (шахс). *Ўртада чордана қуриб ўтирган мўйлов – Рўзи полвон.* Т. Мурод, Қўшиқ. -*Ҳа-я, – деди Тўқсонов, ҳамон деразадан мўралаган ҳолда ва яна сўради: – Ҳалиги мўйловингиз кўринмай қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Баъзи ҳайвонларнинг устки лаби икки чеккасидан ўсиб чиққан, сезиш учун хизмат қиладиган мўйлари. *Мушук мўйлови.*

4 Баъзи ҳашаротларнинг бошидаги ҳид билиш ва сезиш қобилиятига эга бўлган туклари. *Чумоли мўйлови.*

МЎЙЛОВДОР Узун ёки қалин мўйлови бўлган. *Соқчи мўйловдор, девдек гавдали, бадбашара бир йигит экан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

МЎЙЛОВЛИ Мўйлови бор, мўйлов қўйган. *Тушга яқин мўйловли бир йигит Зайнабни чақириб, ичкарига олиб кириб кетди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

МЎЙНА [*ф.* موینه – тукка, жунга алоқадор; жундан, жунли теридан қилинган] Баъзи ҳайвонлар (мас., сувсар, тулки, ондатра ва б.)нинг кийим-кечакка ишлатиладиган жунли териси. *Тулки мўйнаси.* ▬ *Саркардаларнинг бош кийимлари савсар мўйнасидан бўлиб, погонлари олтин эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

МЎЙНАДЎЗ [*ф.* موینه‌دوز – мўйнали кийим тикувчи] Мўйнадан кийим тикувчи уста. *Улгуржи, чакана савдогарлар, атторлар, баззозлар, мўйнадўзлар карвон келиб тушган саройлар атрофида уймалашиб қолдилар.* М. Осим, Ўтрор.

МЎЙНАЧИЛИК Чорвачиликнинг мўйнали ҳайвонлар ва мўйна етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси.

МЎЙСАФИД [*ф.* موی‌سفید – оппоқ соч] **1** Соч-соқоли оқарган, мўйлари оқарган. *Мўйсафид одам.* ▬ *Ҳақорат қилинган мўйсафид бошларини солинтириб қайтиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўрина бошлади бошда оқ туклар, Мўйсафид исмини таший бошладим.* Ғ. Ғулом.

2 Кекса, чол. *Кўпчилик йигирма билан қирқ орасидаги йигитлар бўлиб, орада учтўртта қирқ-эллик ёшлилар, ҳатто олтмишга яқинлашган бир мўйсафид ҳам кўринди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 *с. т.* Арақ. *Остонақул биринчи қадаҳни «Мирзакарим ошнасининг саломатлигига» ичди. Кейинги қадаҳни «бу-ку мўйсафид, сен учун заҳар ичишга тайёрман!» деб кўтарди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

МЎЙЧИНАК [*ф.* موی‌چین – соч терувчи, қирқувчи, олувчи] Қош, тукларни териш учун ишлатиладиган кичкина қисқич. *Карвонбоши сартарошига буюриб, кўзи олдида буларнинг [қулларнинг] сочларини таратди, қайчи билан тартибга солдирди, мўйчинак билан қошларини тердирди.* С. Айний, Қуллар.

Мўйчинак тишламаган Турмуш аччиқчучугини тотмаган, тажриба кўрмаган; ёш, гўдак, ғўр.

МЎЙҚАЛАМ [мўй + қалам] Рангтасвир ва графикада, шунингдек, каллиграфияда бўёқни мато, қоғоз ва б. асосга суртишда ишлатиладиган асбоб (рассомнинг асосий иш қуроли: ҳайвонларнинг жунидан юмалоқ, ясси, ўткир учли қилиб тайёрланади); қилқалам. *Муваффақиятдан руҳланган ижодкор ўз меҳнати, орзу-хаёллари билан яшаётган содда ва беғубор инсонлар образини яратиб, қаламини чархлаганидан кейингина мўйқалам орқали буюк инсонлар сиймосини яратишга бел боғлади.* Газетадан.

МЎККИ *шв.* Хом теридан тикиладиган қўнжи калта оёқ кийими. *-Оёғим мўккининг ичида музлаб қолибди, – деди чол.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Унинг оёғидаги ихчам мўккиси тошдан тошга енгил ўтиб боради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МЎЛ 1 Етарли даражада кўп; сероб. *Мўл ҳосил.* ▬ *Дарахтлар пакана, меваси мўл ва йирик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Деҳқон осмонга қараб, яхши ҳаводан қувонса, ерга қараб, мўл маҳсулидан суюнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..атрофдаги далалар тоза, озуқа мўл.* С. Нуров, Карвон.

2 *(ч. к. билан)* Ортиқ, зиёд, кўп. [*Мирзакаримбой:*] *Бу ер чакалак эди. Ўтган йил ҳаммасини кесиб олдик.. Ёни-вери билан қўшилиб, бир танобдан мўл ер қўлга кирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бахтимизга бир бурчакда, эски охурнинг ёнидаги қозиқда бир қулочдан мўлроқ арқон боғланиб ётар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 *кам қўлл.* Тўкин, бекаму кўст, фаровон. *Давлатимиз мўл бўлар, Омборлар донга тўлар. Пахтамиз тўлиб ошар, Ҳосил дарёдек тошар.* Қ. Муҳаммадий. *Меҳмон учун обрўйим, Усиз ўтмайди тўйим. Мўлдир рўзғорим – уйим, Сурайлик даврон, палов.* «Муштум».

МЎЛАЙМОҚ *айн.* **мўлтаймоқ.** *У [Шодимат] чағир кўзлари мўлтайиб, амакисига қаради.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

МЎЛДИРАМОҚ *қ.* **мўлтирамоқ**. *Сурайё пастда аллақандай меҳр билан мўлдираб турган қозоқ хотин ва унинг ўғилчасига мин-*

натдорчилик билан қўл силтади. У. Назаров, Одамлар.

МЎЛЖАЛ 1 Олдиндан кўзлаб, ўйлаб қўйилган иш, нарса; режа. *Бу йилги мўлжал — гектаридан 45 центнердан.* ▬ *Равшаннинг мўлжали — бир кеча тунаш, тонг отмай Зубайда билан хайрлашади.* «Ёшлик». *Ҳозир ҳам ҳавонинг авзойи бузилди-ю, мўлжалдаги ишини тугатолмай, диққати ошди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Чама, тахмин. *Латофатнинг мўлжалида Шаҳоб бугун командировкадан қайтган бўлиши керак эди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Мўлжалимда Халачга кечга яқин кириб борсак эҳтимол.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Нишонга олинган ёки олинадиган нарса; нишон, қора. *Мўлжалга урмоқ.* ▬ *Пулемёт оғзидан тинимсиз учиб бораётган ўқлар түппа-тўғри мўлжалга бориб тегар.. қалин шохларни синдириб ўтарди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

Мўлжал қилмоқ *айн.* **мўлжалламоқ.** *Тошпўлатов бу масалани эртадан қолдирмай узил-кесил ҳал қилиш ва шу ҳафта ичида ўқишни бошлаб юборишни мўлжал қилиб қўйди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Мўлжалга олмоқ** 1) эришиш, ўзиники қилишни режалаштирмоқ, ўйламоқ. *Мўлжалга олиб, тайёрлаб қўйилган ер бор эди, қўлдан кетди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Мени аросатда қолдириш пайидамикан ё? Ижроком раислигини мўлжалга олаётган бўлса-чи?* Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 2) уриш, отиш қуролини мўлжалга тўғриламоқ (*қ.* **мўлжал 3**). *Қултойнинг чап қўли билан мўлжалга олиб, боши аралаш бир зарб уришидан ҳам ўзини йўқотмади.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *То у қўлтиқтаёққа суяниб, мўлжалга олгунча, ўрдак учиб кетар, қуён инига етиб бўларди.* С. Аҳмад, Уфқ.

МЎЛЖАЛЛАМОҚ 1 Олдиндан ўйлаб, кўзлаб қўймоқ, белгиламоқ, режалаштирмоқ. *Бир йилнинг ичида Эҳсон мўлжаллаганидан зиёда билимга эга бўлади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Аваз кўпдан бери.. бу забун, меҳнаткаш тўда хусусида бир шеър ёзишни мўлжаллаб қўйган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бирор мақсад учун кўзламоқ, мувофиқ топмоқ, белгиламоқ. [*Содиқ*] *Ўзини.. яшириш учун қутидорнинг йўлагини мўлжаллаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Директор.. биринчи навбатда бу йил уруғ экиладиган ерларни мўлжаллаши керак эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Мадхолиқнинг бувисини сизга мўлжаллаб қўювдик, бу ҳам вафот топибди-да.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 Чамаламоқ, тахмин қилмоқ. *Боғнинг саҳнини Салим уч ярим таноб, Фазлиддин уч таноб мўлжаллади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Нишонга олмоқ, пойламоқ. *Оқилхонтўра Бўтабойни мўлжаллаб отган ўқ Тиллабувага теккан экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..Аҳмад танбал бўйнини мўлжаллаб урган қилич Бобурнинг ёй-ўқлари солинган садоғига тегиб, уни шартта кесиб тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МЎЛЖАЛЛИ Олдиндаи мўлжаллаб қўйилган; белгили, ўлчовли. *Мўлжалли вақт.* ▬ *Барча ҳозир мўлжалли чопиқни битириб олишдан бошқа нарсани ўйламайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МЎЛ-КЎЛ Жуда мўл, сероб, тўкин. *Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл. Меҳнаткашларни озиқ-овқат билан мўл-кўл таъминламоқ.* ▬ *Бир неча кун булутланиб турган ҳаво яна очилиб кетди. Қуёш ўз ҳаётбахш нурларини тағин мўл-кўл соча бошлади.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК Мўл-кўл ҳолат, мўл-кўл таъминланган ҳолат, шароит. *Янги ерлар очишда, уларни мўл-кўлчилик масканларига айлантиришда чўлқуварларимиз кўрсатган қаҳрамонликлар кўз олдимиздан бир-бир ўтади.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. *Меъмор хаёлида ҳамма ёқ гулистон, ҳамма одамлар бир-бирига меҳрибон, ҳамма ерда мўл-кўлчилик бўлиб туюлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МЎЛЛАМОҚ *кам қўлл.* Кўпайтирмоқ, кўп қилмоқ. *Пули кўп деб энасини галлангглар.. Давлатимни, ҳар нарсамни мўлланглар.* Пўлкан, Ҳасан батрак.

МЎЛЛИК Мўл миқдорга эгалик; кўплик. *Дарахтлар меванинг мўллигидан ҳар томонга эгилар.* Ойбек, Навоий.

МЎЛОҚ *с. т.* **1** Чўлоқ, ногирон. *Мўлоқ одам.* ▬ *Бир қўли мўлоқ бўлгани учун, уни ҳарбий хизматга олишмади.* С. Аҳмад, Уфқ.

..қаерга борсам, «Келинг-келинг, мулла Қамбар!» ..«чўлоқ Қамбар, мўлоқ Қамбар!». Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор ери учган, синиқ. *Мўлоқ ошиқ.*

МЎЛТАЙМОҚ 1 Аянчли қарамоқ, кўзни жавдиратиб, маъюсланиб, эзилиб қарамоқ; жавдирамоқ. *У [Раҳим] атрофига безовта аланглаб, кимнидир ахтарди. Лоп этиб кўзи бир чеккада мўлтайиб турган «Митти»га тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Эътиборсиз, хаёл паришонлик билан қарамоқ. *Шу чоққача мўлтайиб, хаёл ичида шўнғиб ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МЎЛТИЛЛАМОҚ *айн.* **мўлтаймоқ.** *-Ана ўша материалларни, ҳалигидек катта бошини кичкина қилиб, сизга мўлтиллаб турган заказчиларга кўрсатинг, ўртоқ Қўшоқов, — деди Муродов.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

МЎЛТИРАМОҚ *айн.* **мўлтаймоқ 1.** *Вали ака Хадича бувининг юм-юм ёш оқиб тушаётган юзига мўлтираб туриб: -Хафа бўлманг, онаси, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона. т.о.

МЎЛТ-МЎЛТ *тақл. с.* Кўзда ёшнинг тўлиб-тўкилиб турган ҳолатини билдиради. *..қуллик билан озодлик ўртасидаги тафовутни тўла ҳис қилиб, кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқизмай қолмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳаёт ичидан отилиб чиққан хўрликка чидай олмай, йиғидан мўлт-мўлт тўкилаётган кўз ёшларидан ўзини тиёлмай фиғон қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

МЎЛТОНИ [Покистондаги Мўлтон шаҳри номидан] **1** *эск. айн.* **лўли.** *Авлод-аждоди фол очиб, фирибгарлик билан кун кўриб келган мўлтони колхоз ишига бўйин берармиди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

2 *кўчма* Фирибгар, муттаҳам. *Дунё ҳаром, деб туриб, дунё йиққан мўлтониларда самимият нима қилсин!* С. Анорбоев, Оқсой.

МЎЛТОНИЛИК Мўлтонига хос хатти-ҳаракат, иш (*қ.* **мўлтони 2**). *Оз бўлса ҳам пешона терим билан топаман, суқтойлик, мўлтониликка сира юрмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

МЎЛЧИЛИК Маишат, турмуш учун зарур бўлган нарсаларнинг мўллиги; тўкинчилик, фаровонлик. *Мўлчиликка эришмоқ. Меҳнат — мўлчилик гарови.* Мақол. ▬ *Мамлакатнинг ёруғ юзи, ҳуснидир пахта, Мўлчиликдан нишон бордир ҳар бир дарахтда.* Ғ. Ғулом.

МЎМАЙ 1 Яхлит ва салмоқли (пул ва даромад ҳақида). *Омборда ғалламиз, кассада мўмайгина пулимиз ҳам бор.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бухорода машинани мўл ҳосил, арзон пахта, мўмай даромад манбаи деб тушунадиган бўлиб қолишди.* Т. Салимов, Машинага ихлос қўйиб.

2 Осонлик билан, бемеҳнат топилган; бебилиска. *Маишатпараст одамга мўмай-мўмай пул бўлмаса қийин-да.* М. Иброҳимов, Эгасига тегмаган мактуб.

МЎМАТАЛОҚ Шикастланиш натижасида тери ва шиллиқ парданинг кўкариши.

МЎМИН [*а.* مؤمن — эътиқод қилувчи] **1** *дин.* Оллоҳнинг борлигига иқрор бўлган, имон келтирган киши; мусулмон. *[Сафар бўзчи] Шу каъбатуллонинг ичида ўтириб, ёлғон гапирган одам мусулмон эмас, кишининг қасамига ишонмаган ҳам етти мазҳабда мўмин эмас.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Ювош, беозор, мулойим. *Мўмин одам.* ▬ *Муҳаррам кўчада соддагина, мўмингина кўринган бу қизнинг шунчалик шўхликлари.. борлигини ўзи кўрмай, биров айтганда, асло ишонмасди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Мўмин (эркаклар исми).

МЎМИН-ҚОБИЛ Сўзга кирадиган ва ювош; беозор. *Биласан-ку, Ғанижон акам мўмин-қобил, меҳнаткаш, зеҳни баланд.. йигит эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Хуллас.. ёш, мўмин-қобил бир ёрдамчи керак эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

МЎНДИ [*ф.* مندی — оғзи синиқ кўза] Сопол кўза тури: оғзи тор, қорни кенг шаклда, дастасиз бўлади (суюқлик солиб қўйишда фойдаланилади). *Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига.* Мақол. ▬ *Чайладаги хуржуннинг иккала кўзида қўшқулоқ мўндилар серқатиқ жўхори гўжага тўла.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

МЎРАЛАМОҚ Тўсиқ, тирқиш, тешик орқали қарамоқ. *Тирқишдан мўраламоқ.* ▬ *Нури палак остида ёш аёллар билан қуршалган ҳолда турар.. баъзан яллачиларга яширинча мўралаб қўяр эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тургиси келмай, кўрпанинг тагидан мўралаб ётган Сарсенбой бошини буркаб олди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Бурнининг*

учигача тушириб олган кўзойнаги тепасидан мўралайди. Мирмуҳсин, Умид.

МЎРДАК: **мўрдак арава** *шв.* Безатилган соябонли арава. *-Жуманиёз отанинг қизини мўрдак аравада Хивага олиб кетдилар-а? — деди Ниёзмуроднинг аммаси.* Мирмуҳсин, Чўри.

МЎРИ [*ф.* موری — ғиштдан қилинган сувқувур] Ошхона, печка, ўчоқ ва ш. к. нинг тутун чиқиб кетадиган йўли; дудбурон, мўркон. *Улар қишлоқ ичига тор сўқмоқдан киришди: пастак деворлар, баланд-паст уйлар, пичан босилган томлар, онда-сонда тутун бурқсиган мўрилар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Паға-паға тутунлар Кўтарилар мўридан.* С. Акбарий.

МЎРКОН *айн.* **мўри.** *Ўша тандир, ўша ўчоқ, ошхонамиз мўркони. Наррогида Мирхолиқ тақачининг дўкони.* Х. Салоҳ, Ташналик.

МЎР-МАЛАХ [*ф.* مور — чумоли + ملخ — чигиртка]: **мўр-малахдай** Қумурсқа ва чигиртка каби: кўплашиб, ёпирилиб. *Котловандан чиққан янги нам тупроқ тоғдай бўлиб турибди, атрофида мўр-малахдай одам.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ҳар бири бир янгилик келтираётган бу кунларнинг шавқидан маст бўлган халойиқ ҳар қандай ишга мўрмалахдай ёпишар.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МЎРТ Эгилмасдан синадиган, синувчан. *Мўрт чўян. Мўрт ёғоч.* ▬ *Дарахтлар, буталар эгилиб-букиларди, аммо уларни бир мўрт чўпдек синдириш ёки таг томири билан ағдариш осон эмас эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МЎРТЛАШМОҚ Мўрт бўлмоқ, синувчан ҳолга келмоқ. *Совуққа туриб қолган картошка ҳам мўртлашиб, яроқсизланади.* «Фан ва турмуш».

МЎРЧА I [*ф.* مورچال — чумоли уяси; лаҳим, ер ости йўли] Европа типидаги ҳаммом. *Йигит ҳужрага жойлашиб, бир оз дам олгандан кейин сарой ёнидаги кўҳна мўрчада ювинди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Иваннинг эпчилгина синглиси бор экан, у мўрчага ўт ёқди, биз ҳузур қилиб ювиндик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МЎРЧА II [*ф.* مورچه — чумолича] *шв.* Чумоли, қумурсқа.

МЎРЧАМИЁН [*ф.* مورچه میان — чумоли бел; ингичка бел] Ингичка белли, бели ингичка, хипча бел (хотин-қизлар ҳақида). *Бир туриб ўтирганда билдики, бел мўрчамиён. Ўзини ҳам бир тутам қилиб, энли камар билан қисиб қўйибди.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Шундай нозик, мўрчамиён нарсани ўша давангига берасизми?* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

МЎЪЖАЗ [*а.* معجز — ажойиб, ғалати, ғаройиб; гўзал] **1** Кишини ҳайратга соладиган; ажиб, ажойиб. *Шоир токчалардаги чиройли хитой идишларга, фил тишидан ишланган ажойиб, мўъжаз қутичаларга разм солди.* Ойбек, Навоий.

2 Ихчам, кичкина. *Супанинг қаршисига, ўн қадамча нарига мўъжазгина бир чорпоя қўйилиб, унга самоварнинг эски-туски палослари солинди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Айвонда чироқ ёқилди. Шинам, мўъжазгина хона ёришиб кетди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

МЎЪЖИЗА [*а.* معجزه — каромат; ҳайратга соладиган нарса; ажойибот] **1** Диний ва афсонавий тасаввурларга кўра, ғайритабиий, илоҳий ҳодиса; пайғамбарлар томонидан воқе бўладиган, уларнинг ҳақиқатан ҳам алло таолонинг бандаларга юборилган элчилари эканлигини тасдиқлайдиган ғайритабиий ҳодиса.

2 Умуман, ҳар қандай одатдан ташқари, кишини ҳайрон қолдирувчи ҳодиса, иш ёки нарса. *Искандаров бир неча минут табиатнинг бу мўъжизасига лол қараб қолди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи. *Айниқса, шундай пайтларда Турсунойга онасининг «газета ўқиш»и аллақандай сирли бир мўъжизадай кўриниб кетади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

МЎЪЖИЗАДОР *кам қўлл. айн.* **мўъжизакор.** *Йўлнинг икки четини Ҳиндистон табиатининг мўъжизадор, сеҳркор кучи яратган азим, кўркам дарахтлар безар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

МЎЪЖИЗАКОР [*а.+ф.* معجزه‌کار — мўъжиза яратувчи] Мўъжизалар яратувчи. *Мўъжизакор Хоразм ўлкасига бориб, у ердаги ёдгорликлар билан танишишнинг ўзи ҳам ўз аждодлари ўтмишидан хабардор бўлиш учун ажойиб «ойнаи жаҳон» бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МЎЪЖИЗАЛИ Мўъжизадан иборат бўлган, кишини ҳайратга соладиган; ажиб, ажойиб. *Тўқимачилик саноатининг бу мўъжи-*

зали машинасини дунёда бирор мамлакат хаёлига келтирган эмас. Туйғун, Юрак қўшиқлари.

МЎЪТАБАР [*а.* معتبر – ҳурматли, эътиборли] **1** *кт.* Эътибор топган, ишонч қозонган, эътиборли; муқаддас. *Мўътабар одам. Мўътабар манбалардан олинган хабар. Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар.* Мақол. ▬ *Қудрат қўлида болғаси билан, «ким экан», деб қаради-да, мўътабар чолларни кўриб, юзи бирдан ёришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ватан! Ватан! Нақадар мўътабар ва табаррук сўз.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Мўътабар (хотин-қизлар исми).

МЎЪТАДИЛ [*а.* معتدل – қадди-қомати келишган, расо; мутаносиб; ўртача, ўртамиёна] **1** Совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас; ўртача, ўртамиёна. *Сунбула ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан, Зайнаб маржон-маржон терлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу водийнинг гўзал манзараси, мўътадил иқлими, хуш ҳавоси.. ҳамма кўрганларни мафтун этиб келади.* Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади.

2 Умуман, ўртача, меъёрий. *Мўътадил босим. Мўътадил талаблар.* ▬ *Адабиёт соҳасида катта бурилиш ясаш, тўгаракларни мўътадил йўлга солиб юборишда қийинчилик бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Аббосов ҳамма нарсаси ўртача, ҳар жиҳатдан мўътадил, ҳар томонлама омади келган одам эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

3 Ўртача йўл тутувчи, бирор томонга ён босмайдиган. *Мўътадил либераллар.* ▬ *Янги вазирлар мўътадил миллатчилардан ва фирқасизлардан иборат.* Газетадан.

МЎҒУЛ 1 Мўғулистон (Монголия) туб аҳолисининг номи. *Мўғул халқи.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли. *Мўғул тили.*

МЎҒУЛЛАР Мўғулистон ва Хитой Халқ Республикасидаги Ички Мўғулистоннинг туб аҳолиси.

Буюк мўғуллар Бобурийлар сулоласининг Европа адабиётида қабул қилинган ноилмий, сохта номи.

МЎҒУЛЧА Шашмақомдаги ҳар бир мақомнинг ашула бўлимида иккинчи гуруҳни ташкил этувчи асосий шўъбалардан бири. Улар, савт шўъбалари каби, 5 чорак такт ўлчовидаги доира усулида ижро этилади.

МЎҲМАЛ [*а.* مهمل– эътибор берилмаган, ташлаб қўйилган; эскириб истеъмолдан чиққан] *кт.* Ноаниқ, мужмал. *Юсуфбек ҳожи эгнида кимхоб чопон билан ўрдадан чиқди. Ўрдадаги «Чопон муборак бўлсин!» деб сўрагувчиларга бир турли мўҳмал жавоб берар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МЎҲ-МЎҲ *унд. с.* Баъзи уй ҳайвонларини чақиришда ишлатилади, чақиришни билдиради. *«Мўҳ-мўҳ» деса, қўй ҳам тушунади. Аммо сенга сўз уқтириб бўлмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

II жилд

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

2010.04.10 да босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70 × 100 $^1/_{16}$. Офсет қоғозда босилди.
72,39 нашриёт-ҳисоб табоғи. 54,6 босма табоқ.
Адади 5000 (2-гал босилиши 3001–5000). Баҳоси шартнома асосида. 10-836-буюртма.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриётининг дизайн ва компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй).

Ўз
М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

5 ЖИЛДЛИ

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ*:**

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар),
Н. ТЎХЛИЕВ, Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, А. ҲОЖИЕВ

А. Мадвалиев таҳрири остида

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

УЧИНЧИ ЖИЛД

Н – Тартибли

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти

81.2Ўзб-4

“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор – Н.Тўхлиев.

Директорнинг биринчи ўринбосари – Д.А.Шораҳмедов.

Директор ўринбосарлари – М.Н.Аминов, А. Ниёзов.

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти – А. Мадвалиев (мудир), Ҳ. Абдиев, Р. Қиличев (етакчи илмий муҳаррирлар).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими – И.Р.Ҳодиев (бошлиқ), А. Бурхонов (бош рассом), М. Олимов (етакчи техник муҳаррир), А. Ёқубжонов (етакчи илмий программист), Д. Ҳасанова (саҳифаловчи-оператор).

Ў 16 **Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н–Тартибли/ Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.-688 б.

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

ББК 81.2Ўзб-4

Ў $\frac{70105-071}{358-2007}$

ISBN 978–9943–07–051–6

© “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.



НА I Нима? сўроқ олмошининг қисқарган шакли. *Сенга бунинг на кераги бор?* ▬ *-Бу на деб турибди? — ноиб қамчиси билан Авазга ишора қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

На чора *қ.* **начора.** *-Совға қилиб келса суюнмас, чиқариб сотса куюнмас эдим. На чора, қиморбознинг куни шу! — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НА II [*ф.* نه — йўқ, эмас] *айр. боғл.* Уюшиқ бўлаклар ёки уюшиқ гаплар бошида такрорланиб, уларни боғлайди ва бўлишли феъл билан инкор маъносини билдиради. *Ундан на хат бор, на хабар.* ▬ *Йўқ, на қамоқхонасидан, на сургунидан қўрқади Акмал! Гулчеҳрасиз ҳаёт керак эмас унга! Гулчеҳрадан айриладиган бўлса.. отиб юборсалар ҳам пинагини бузмайди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

НАБЗ [*а.* نبض — томир уриши] Қон томири уриши. *Хўш, энди менинг ёнимга келинг-чи, набзингизни кўрай.* М. Осим, Карвон йўлларида.

НАБИ [*а.* نبى — пайғамбар, илоҳий хабар келтирувчи] **1** *дин.* Худонинг хоҳишини бандаларига етказувчи; пайғамбар. *Набилар, расуллар, доҳийлар унда, Қабрлар, қасрлар тургандир қатор.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 Наби (эркаклар исми).

НАБИРА [*ф.* نبيره — набира; эвара; авлод] Ўғил ёки қизнинг фарзанди (бобога, бувига нисбатан). *Толибжонбойнинг беш ўғли, уч қизи бор экан. Икки ўғли уйланган, бир қизи эрга теккан, набиралари ҳам бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАБИРАЛИ Набирага эга бўлган, набираси бор.

НАБОР [*р.* набор — (ҳарф) териш, терилган ҳарфлар] *полигр.* **1** Матнга мувофиқ терилган ҳарф ва белгилар йиғиндиси. *Наборни сочиб юборманг. Набор қилмоқ.*

2 Матнга мувофиқ ҳарф ва белгиларни териш. *Қўлёзмани наборга бермоқ. Набор цехи.*

НАБОРШЧИК Босмахонада ҳарф терувчи ишчи.

НАБОТ I *айн.* **новвот**. *Сен борсанки, кенг воҳада ҳаёт бор, Демак, юртнинг лабида бол, набот бор.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

НАБОТ II [*а.* نبات — ўсимлик] Ўсимлик, кўкат. *Бу ясси қирғоқларда боболар ётур, Туғмадир ҳар ялпиз, ҳар шох, ҳар набот.* Миртемир, Асарлар.

НАБОТОТ [*а.* نباتات — ўсимликлар] **1** Ўсимликлар дунёси, ўсимликлар. *Ҳужайранинг топилиши шуни исбот қилдики, наботот, ҳашарот ва ҳайвонот — ҳамма тирик жисмлар ўсиб, кўпайиб борувчи органик кичик бўлаклар — ҳужайралардан иборатдир.* «Умумий биология».

2 *айн.* **ботаника.**

НАБОТОТШУНОС [*а.* + *ф.* نباتاتشناس — ўсимликларни ўрганувчи; текширувчи] *айн.* **бота́ник.**

НАВ [*а.* نوع — хил, тур, кўриниш] **1** Нарсаларнинг умумий белгилари билан бирлашувчи гуруҳи; тур, хил. *Меваларнинг кечпишар навлари.* ▬ *Мардон Йўлчиевич ҳар куни тонг билан тоққа чиқиб, ёнғоқ навларини ўрганарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Молнинг, буюмнинг сифат, қиймат жиҳатдан хили, тури; сорти. *Бирон буюмни*

сифатсиз ишлаб, аъло навга ҳақ олиш ноинсофлик, виждонсизлик, тўғрироғи, ўғриликнинг бошқа бир тури-ку! Н. Сафаров, Оловли излар.

Бир нав(и) 1) яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас, ўртамиёна. *Ер бир нав ҳайдалди, экин бир нав экилди, лекин шундоқ бўлса ҳам, ҳосил экинни ёзда қандоқ парвариш қилинишига ҳам боғлиқ бўлгани учун одамларнинг кўнгли тўқ эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Она бир нави яшаб турганини, қудаси Жўравой ака уч-тўрт келиб хабар олганини айтди.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) дуруст, тузук, яхши. *Мастура опа келадиган меҳмонлар билан таниш бўлганда ҳам бир нави эди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.

НАВАРА *с. т.* Набира.

НАВБАТ [*а.* نوبت – қатор, кетма-кетлик] **1** Бирин-кетин содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, бажариладиган ишлар тартиби; гал. *Тегирмон навбати билан.* Мақол. ▬ *ЎзР Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессиялари.*

2 Қаторда ишғол этилган ўрин; гал. *Навбат олмоқ. Навбат кутмоқ. Эрга навбат – шерга навбат.* Мақол. ▬ *Тўламат мўйлов Нигора томонга кўз қирини ташлаб, Шербекнинг қулоғига шивирлайди: -Энди, укам, Сувоннинг тўйидан кейин навбат сеники.* С. Анорбоев, Оқсой. *Равшан тушликда шўрвага навбат олди. Шериклари тандирдан янги узилган сомсани столга уйиб.. Равшанни кутиб туришди.* «Ёшлик».

3 Алмашиниб бажариладиган иш; навбатчилик, смена. *Ласточкин батальон штабида постда турарди. Навбати тугагач, ким билан дир гаплашиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Маълум босқич; бажарилган ишнинг маълум қисми, бўлаги. *Урганч бройлер фермасининг биринчи навбатини фойдаланишга топшириш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.* «Ёшлик».

5 *(“бу”, “шу”, “ҳар”, “бир” каби с. билан)* Марта, гал. *Бир навбат.*

Биринчи навбатда *айн.* **биринчи галда** *қ.* **биринчи 5.**

НАВБАТДАГИ 1 Навбатда турган, биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган; галдаги. *Навбатдаги масалалар. Навбатдаги вазифалар.* ▬ *Навбатдаги чопиққа одам кетишидан уч кун бурун, кечки пайт иккита ҳамшира келиб, алланимага қарши ҳаммага укол қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қаторда турган, қаторда маълум ўрин олган. *Навбатдаги одамлар.* ▬ *Навбатдаги сўз ўртоқ Раҳматовга. Ўртоқ Ҳакимова тайёрлансин.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

НАВБАТЛАШМОҚ Бирор ишни бошқалар билан навбатма-навбат, галма-гал бажармоқ. *Навбатлашиб ишламоқ. Навбатлашиб ашула айтишмоқ.* ▬ *Йигит югуриб бориб, ўтовларнинг биридан қимиз олиб келди. Очил бува, Азимжон, шофёр навбатлашиб икки косадан шимирдилар.* А. Мухтор, Чинор.

НАВБАТМА-НАВБАТ *рвш.* Навбати билан, гали билан, навбатлашиб, галма-гал. *Китобни навбатма-навбат ўқимоқ.* ▬ *Тўрт киши навбатма-навбат арра тортиб, кўприкнинг кўндалангига тўсин қилиб қўйилган йўғон ва қаттиқ ёғочини арралаётганда, қора терга ботиб кетишди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

НАВБАТЧИ 1 Бирор ишни бошқалар билан навбатлашиб бажарувчи; ўз навбати келганда, шундай ишни бажараётган шахс. *Синф навбатчиси.* ▬ *Улар ишини навбатчига топшириб келган тракторчилар билан иссиқ саломлашгач, Погодиннинг кичик кабинетига кирдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Постда турган соқчи; қоровул. *Тунлари ҳар ҳовли эшигида ўша ерда яшовчилардан навбатчилар тайинланади – бегона кирмасин.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Коридорга кирганимизда, навбатчи аёл диванда мудраб ўтирган экан, бизни кўриб ҳайрон бўлди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

3 Маълум бир вазифани бажариш учун навбатда турган (восита, транспорт). *Суриштирсам, навбатчи автобуслар ҳам аллақачон кетиб бўлган экан.* Ў. Умарбеков, Ёшлик кўчалари.

НАВБАТЧИЛИК 1 Навбатлашиб бажариладиган иш, навбатлашиб бажариш; навбатчи вазифаси. *Навбатчиликка ўтмоқ. Навбатчилик қилмоқ.* ▬ *Шу кечасиёқ отани касалхонага олиб бориб ётқизишди, учовлари унинг бошида ўтириб, навбатчилик қилишди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Умуман, Шоира навбатчилик қилмаган кун кам бўларди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

НАВБАҲОР [*ф.* نوبهار – эрта, илк баҳор] Эрта баҳор, илк баҳор, баҳорнинг

боши. *Навбаҳор очилди гуллар, Сабза бўлди боғлар.* Муқимий. *Ҳар навбаҳор бу кўкаламзорга ҳиротликлар от-аравада чиқиб, бир-икки кун сайр этиб, ҳордиқ чиқариб қайтишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Навбаҳор (хотин-қизлар исми).

НАВЖУВОН [*ф.* نوجوان – жуда, анча ёш] **1** Ёш йигит; ўспирин. *Кексалик келиб эрди, дилда кўп эди армон, Яшатиб, яшартиб сен, навжувон этиб келдинг.* Ҳабибий. *Кўча-кўй ола-қуроқ кийинган ва безовта бир қиёфада зир югуриб юрган навжувонлар билан тўлди.* С. Сиёев, Куёвсалом.

2 *кўчма* Янги, ёш. *Қумлар ўртасида бир шаҳар кўрдим, Навжувон, сулув, соз, ярқироқ шаҳар.* Миртемир.

НАВЗАМБИЛЛО, наузубиллоҳ [*а.* نعوذبالله – худодан паноҳ сўраймиз; худо, ўзинг сақлагин] Худо сақласин. *Бу манзарадан ҳанг-манг бўлган Зоҳир шайх: -Ҳой, осий банда! Нега кетдинг?! Навзамбилло! Қариганда мени бир балога гирифтор этмасанг гўргайди, – дея қичқирди* С. Сиёев, Ёруғлик. *Саидхўжа ака ёқасини ушлади: -Навзамбилло! Танканинг ойнаси бўлишини энди эшитиб турибман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

НАВИГАЦИЯ [*лот.* navigatio – кемада сузиш; кемалар қатнови < navigo – кемада сузаман] **1** Кемалар қатнови; учиш аппаратларида учиш.

2 Маълум сув йўлларида маҳаллий об-ҳаво шароитларига кўра кема қатновлари мумкин бўлган вақт, мавсум.

3 Кемаларни, ҳаводан оғир учиш аппаратларини, космик кемаларни белгиланган йўлдан тўғри ва хавф-хатарсиз юргизиш усуллари хақидаги фан.

НАВИСАНДА [*ф.* نویسنده – ёзувчи] *эск. кт.* Ёзувчи, адиб.

НАВКАР [*мўғ.* нўхўр – дўст, ўртоқ; эр] **1** *тар.* Ҳарбий хизматкор, аскар. *Ҳусайн Бойқаро «Боғи Шимол» дарвозаси яқинидаги.. чодир ичида икки-уч навкари билан ўтирарди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Машина ғув этиб, автомат ушлаган навкарлар ёнидан ўтиб, шаҳарга чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

2 *кўчма* Хизматкор, ходим. *Раис дала беги эмас, дала навкари.* Ойбек, О. в. шабадалар.

НАВЛИ 1 Нави, сифати жиҳатидан юқори, сара. *Навли уруғлар.* ▬ *Навли уруғликни мамлакатимизнинг бошқа районларидан олишга тўғри келмоқда.* Газетадан.

2 Бирор навга мансуб бўлган. *Паст навли папирос.* ▬ *Биз ҳам юқори навли чигитдан эксак борми, ўттиз-ўттиз беш центнер пахта нақд экан.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

НАВНИҲОЛ [*ф.* نونهال – ёш, янги дарахт, кўчат] **1** Янги ўтқазилган ёки униб чиққан кўчат; ёш дарахт. *Салимхон эса, экиб парвариш қилган навниҳолининг биринчи мевасини егандай завқланар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўчма* Янги туғилган, пайдо бўлган, ёш. *Ҳафиза билан Умид навниҳол муҳаббатнинг сирли оғушида маст ва мамнун юрардилар.* Мирмуҳсин, Умид.

3 *кўчма* Ёш йигит ёки қиз. *Нозик, навниҳол бўлсанг, толеимдан ўргилай.* Т. Тўла.

НАВО I [*ф.* نوا – куй, оҳанг; қўшиқ] **1** Куй, оҳанг; хониш. *Қумрининг тўйи: Безалган уйи, Найнинг навоси Қайта-қайтадан Чалиниб тинмай.* Ғ. Ғулом. *Шундан сўнгра сен қадаҳ ушлаб, Хумор кўз-ла боққил самога, Тингла қушнинг эзгу орзусин, Қулоқ бергин майин навога.* Ҳ. Олимжон.

2 *кўчма* Маълум бир нарсанинг завқи. *Аваз ўрнидан қушдай енгил турди. Оппоқ бўлиб ёришган янги тонг ҳавосидан, безовта кўнглида туғилган янгича бир туйғулар навосидан жон-жаҳони яйради.* С. Сиёев, Аваз.

3 (Н – *катта*) Шашмақом тизимидаги иккинчи мақом номи *(қ.* **шашмақом**). *Дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшоқ, Отабек кутмаган жойда, "Наво"дан бошлаб юборган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *кам қўлл.* Ғам-алам ифода этувчи аянчли овоз; нола. *Кўзларида нозик бир ўт чақнади. У фахр ўтимиди, ё қаҳр ўти – билиб бўлмади. Лекин мағрур кишининг овози билан эмас, дилгир кишининг навоси билан жавоб қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАВО II *снт.* Ярим ёй шаклидаги безак тури; шифт билан девор оралиғидаги қайрилма эгик безак. *Уста Ширин Муродовнинг ганчли ажойиб наволари кўпгина биноларни безади.* Газетадан.

НАВОБ [*а.* نوّاب – «ноиб» с. кўпл.] Бобурийлар салтанатида ва кейинчалик ундан ажралиб чиққан ҳинд вилоятларида вилоят ҳокими унвони (18-асрнинг иккинчи ярмида инглизлар навобларни ўзларига бўйсундирганлар).

НАВОЗАНДА [*ф.* نوازنده – мусиқачи] *кт.* Куй ижро этувчи, наво қилувчи; созанда. *Баъзи ерларда созанда ва навозандалар миллий ашуладаги оҳанг, наво ва ашъорлардан чалган ва куйлаганлари эшитила бошлади.* Ҳамза, Танланган асарлар.

НАВОЗИШ [*ф.* نوازش – эркалаш; хушмуомалалик] *кт.* Меҳрибонлик билан ёки лутфан қилинган муомала, мулозамат, лутф, марҳамат; эркалаш. *Азизбек одатдаги қаршилаш ёнига бир навозиш ҳам илова қилиб, ҳожига юқоридан жой кўрсатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олдинда бораётган ёш каниз тўрдаги эшикни очиб, тезгина ичкарига кириб чиқди-да, яна боягидай билинар-билинмас кулумсираб, навозиш билан бош эгди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

Навозиш кўрсатмоқ *айн.* **навозиш қилмоқ 1.** *Бекларига навозишлар кўрсатиб, сўнгра ўз ниятини ўртага ташлади.* Ойбек, Навоий. **Навозиш қилмоқ** 1) меҳрибонлик билан ёки лутфан муомала қилмоқ, марҳамат қилмоқ; эркаламоқ; 2) чалмоқ, куйламоқ.

НАВОИЙШУНОС Навоий ижодини ўрганувчи олим. *Навоийшунос олим Ҳ. Сулаймонов ташаббуси билан Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар альбом шаклида эълон қилинди.* Газетадан.

НАВОИЙШУНОСЛИК Адабиётшуносликнинг Навоий ижодини ўрганувчи соҳаси.

НАВРАСИДА [*ф.* نورسیده – янги етиб келган; янги етилган; янги туғилган] Ёш, янги етилган. *Кетди бойга қарз ҳисобидан Уй ҳам, ер ҳам, ҳатто ўзим ҳам, Бу етмасмиш, ўлжага кетди Наврасида, дўндиқ қизим ҳам.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

НАВРАСТА [*ф.* نورسته – янги ўт-ўлан; ёш йигит-қиз] Янги, ёш, навқирон. *Ассалом алайкум, нуроний тарих, Навраста бугуним, бахт таманноси.* Ж. Жабборов, Қуёш юрти.

НАВРЎЗ I [*ф.* نوروز – янги кун] **1** Шамсия йил ҳисобида янги йилнинг биринчи куни (март ойининг 21-кунига тўғри келади).

2 Баҳор чоғи, баҳор. *Наврўз ёмғири.*

Наврўз байрами Эски сана ҳисобидаги янги йил ва баҳорнинг бошланиши муносабати билан ўтказиладиган байрам. **Наврўзи ажам** Ўзбек мумтоз куйларидан бирининг номи.

3 Наврўз (эркаклар исми).

НАВРЎЗ II Кечпишар ўрик нави.

НАВРЎЗГУЛ *бот.* Наврўзгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик (халқ табобатида қайнатма ва дамлама дори сифатида қўлланади).

НАВРЎЗЛИК *тар.* Эски мактабда наврўз муносабати билан талабалардан тўпланадиган пул ва б. нарсалар.

НАВҚИРОН [*ф.* نو – янги + *а.* قران – бирикиш, қўшилиш; никоҳ] **1** Авжи кучқувватга тўлган, қирчиллама, ёш. *Наби ака мўйсафидни ичкарига таклиф қилди. Ҳовлининг бир чеккасида ўтирган икки навқирон йигит ҳам аста юриб келиб, мўйсафид билан сўрашди.* А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

2 *кўчма* Ёш. *Сархуш бўлиб, мудрар бесадо Қирғоқдаги навқирон толлар.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

3 *кўчма* Тик қоматли, баланд. *Навқирон қоялар совуқ илжаярди.* «Шарқ юлдузи».

НАВҲА [*а.* نوحه – дод, фарёд; ўкириб йиғлаш] *эск. кт.* Йиғи; ўкириб, дод солиб йиғлаш. *Тулкининг тавбасидан қўрқ, муғамбирнинг навҳасидан.* Мақол.

НАГАН [бельгиялик қуролсоз А. Наган (Nagant) номидан] Айланма барабанли тўппонча. *Забардаст қомат, озғин юзида қатъият, елкасидан қалин қайишни ошириб олган, ёнида наган, тиззасида узун сопли қилич.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

НАДИМ [*а.* نديم – бирга овқатланувчи, ҳамтовоқ; улфат] *кт.* **1** Яқин, сирдош дўст; ҳамсуҳбат.

2 *эск.* Шоҳ саройида: энг яқин хизматкор, маҳрам ва маслаҳатчи. *Маликул шаробнинг ўзи ҳам ёшлигида султоннинг суюкли надими бўлган.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

3 Надим (эркаклар исми).

НАДИМА [*а.* نديمه] *кт.* **1** Яқин, сирдош дугона; ҳамсуҳбат аёл. *Демак.. унинг хотини маликани бутун канизаклари, надималари билан.. ўз уйига чорлайди.* Ойбек, Навоий.

2 Надима (хотин-қизлар исми).

НАДОМАТ [*а.* ندامت – афсус(ланиш), ўкиниш; армон] **1** Пушаймон, ўкинч; ўкиниш, афсусланиш, афсус. *Бермас кишига фойда сўнгги надомат.* Ҳабибий. *Бу харобани кўриб, Қурбон отанинг кўз олдига Фармонқул ва ўшанга ўхшаган дунёга надомат билан келиб, заҳмат чекиб, ҳасрат билан ўтган кишилар келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *с. т.* Кимсани ёмонлаб айтилган, тарқатилган гап, маломат. *Қизи туфайли эшитган надоматлари, онасининг муттасил мияга уриб турган тўқмоқдек ғиди-бидилари жонини ҳалқумига келтириб қўйган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Надомат тошини отмоқ Бировга маломат қилмоқ.

НАЖАС [*а.* نجس – ифлослик; нопоклик; ҳаром қилиш] **1** Ифлос, ҳаром нарса; ахлат. [*Мулла Муҳсин:*] *Ҳовузни ифлос сувлардан, нажас нарсалардан эҳтиёт қилинса, ҳеч боки йўқ.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *нафр.* Разил, палид одам ҳақида.

НАЖДАК [*туркий*] Майда ва юпқа, донадор кристаллардан иборат тоғ жинси.

НАЖЖОР [*а.* نجّار – дурадгор] *эск. айн.* **дурадгор**. *Адибу хуш қалам, хаттоту рассом – Бари нозик табиат, соҳиб илҳом. Яна бир қанчаси нажжору наққош, Бўлолмас ҳеч ким ўз даврида тенгдош.* Ҳабибий. *Мен ўзим нажжорман, сангтарошлик ҳам қиламан.. Айбга буюрмайсиз, ўғлим меъморликни ўргансин, отасидек сангтарош бўлиб қолмасин, дедим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

НАЖЖОРБОШИ *эск.* Дурадгорлар бошлиғи, ишбоши. *Энди Эгамберди нажжорбоши дурадгорларга бурунги пўписа ва эски тааддисини қилиб кўрсин-чи.* «Муштум».

НАЖИБ [*а.* نجيب – асилзода, олижаноб; истеъдодли, оқил] *эск. кт.* **1** Ҳурматга сазовор, азиз, мўътабар, муҳтарам. *Дунё гўзал, дунё нажибдир, қонимизда янграр бир наво.* А. Шер, Роз.

2 Асилзодаларга, зодагонларга мансуб; зодагон, зоти тоза. *Шунинг билан сизнинг нажиб оилангиз даҳшатли фожиа даврларини кечириб, энди масъуд кунлар арафасига етди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Нажиб (эркаклар исми).

НАЖОСАТ [*а.* نجاست] *айн.* **нажас 1**. *Сиз, нажосатга харис Исмоил хўжам, ғазабингиз авжига миниб, оллонинг бегуноҳ бандаларини ҳожатхонага ташлатдингиз.* К. Яшин, Ҳамза.

НАЖОТ [*а.* نجات – қутулиш, халос бўлиш] **1** Халос бўлиш, қутулиш. *Нажот бермоқ. Нажот топмоқ. Нажотга чиқмоқ.* ▬ *Фарёд уриб йиғлади Шаҳло, Кўкни босиб кетди ноласи. Юм-юм йиғлаб, сочини юлди, Бўлмади ҳеч нажот чораси.* Т. Тўла. *Яратганнинг ўзи нажот берсин, оллоҳу акбар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Уста Фарфи давом этиб деди: ..бир мактуб сабаби билан.. кутмаган жойда дор остида нажотга чиққанлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қутулиш ёки қутқариш учун зарур ёрдам, кўмак. *Золимдан нажот кутиш бефойда, маҳол.* Ғайратий. *Ўғлининг дарди билан чўккан Ойша хола нажот истаб, Ёқутбиканинг олдига борди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

НАЖОТКОР [*а.* + *ф.* نجاتکار – қутқарувчи, халос этувчи] Нажот берувчи, халос этувчи, қутулиш йўлини кўрсатувчи; қутқарувчи. *Ўша гўзал қизча Бобурни ўз нажоткорини кутгандай кутади – буни ҳам Бобурга келиб айтувчилар бор.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Жасур нажоткорлар сафқаторида Ўзбек йигитининг номи ҳам кушод.* А. Орипов, Юртим шамоли.

НАЖОТСИЗ Қутулиш учун чораси, иложи бўлмаган, мушкул аҳволда қолган; ноилож. *Катер илгарилаб кетди. Бироқ Зумрад ўгирилиб, ҳамон бепоён денгиз қаърида қолиб кетаётган ёлғиз, нажотсиз қушчани анчагача кузатиб борди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Бошпанасиз, нажотсиз етим ўғил ва қизлар бировларнинг зулми ва исканжасига, хўрлашига ноилож чидар, яшамоқ учун бундан ўзга чоралари йўқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАЗАР [*а.* نظر – кўриш қобилияти, кўриш; нигоҳ] **1** Кўз қараши; нигоҳ. *Назар солмоқ. Назар ташламоқ.* ▬ *Йигитнинг совуқ назари Мадаминхўжани шошириб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Йўловчи.. ёшларни бирма-бир назаридан ўтказаркан, атрофга аланглаб сўради: -Идораларингиз қаерда, йигитлар?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бизнинг ишимизга ҳам бир назар солсангизчи.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сидиқжон қипқизариб кетди ва Зуннунхўжага "гапирсангиз-чи!" деган мазмунда назар ташлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўқитувчи лекциянинг ярмига келганда.. Йўлдошга эгилиб турган Ҳасанга назари тушди.* Ибохон, Улуғ кун.

Назар(и)га *(ёки* **назари**) **илмайди** Менсимайди, писанд қилмайди. *Мендай бир муштипар кампирни назарингизга илиб келибсиз, раҳмат.* С. Анорбоев, Оқсой. **Назарга олмоқ** *ёки* **назарда тутмоқ** Эътиборга олмоқ, ҳисобга олмоқ. *Ўша вақтдаги турмуш, ўша шароитдаги болаликни назарга олганда, уни "кичик меҳнаткаш" дейиш*

мумкин эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Назардан қолмоқ** Эътибори йўқолмоқ, хайрихоҳлик, яхши муносабатдан айрилмоқ.

2 *(фақат эгалик қўшимчаси билан)* Воқеа, ҳодиса, кимса, нарса ва ш. к. ҳақидаги субъектив фикр, уларга бўлган қараш. *Назаримда, сиз янглишяпсиз.* ▬ *Хўжайинлар назарида хизматкор – ярим одам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишлар Элмуроднинг назарида кўнгилдагидек давом этаётганга ўхшар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Назари паст *ёки* **паст назар** *қ.* **паст 10**. **Нуқтаи назар** 1) қарашлар системаси, воқеа ва ҳодисаларни англаш усули; концепция. *Масалага моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан ёндашмоқ;* 2) жиҳат, томон. *Иқлим нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари бор.* **=дан қатъи назар** Бирор нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда.

3 Назар (эркаклар исми).

НАЗАРИЁТЧИ Илм-фаннинг бирор соҳасида назарий масалалар билан шуғулланувчи олим. *Дарвоқе, Навоий «Мезон улавзон» номли илмий асари билан аруз назариётчиси сифатида танилди.* «ЎТА».

НАЗАРИЙ [*а.* نظرى – кўришга оид; мушоҳадага асосланган, мавҳум; фикрий] **1** Назарияга оид, назария масалаларига боғлиқ бўлган, назарияга асосланган. *Назарий масала. Назарий хулоса. Назарий тадқиқотлар.* ▬ *-Бу назарий мулоҳазаларингизни майин жунли, зотли қўйлар урчитиш устидаги ишларимизга олиб келиб боғлаганингизда, ажабланмаган бўлардим, – деди Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бирор соҳанинг назарияси билан шуғулланадиган. *Назарий физика.*

НАЗАРИЯ [*а.* نظريّه – таълимот; қоидалар мажмуи; умумлашма фикр] **1** Воқелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун тасаввур берадиган билим шакли. *Назария ҳамма вақт амалиёт билан узвий боғлиқ бўлади ва шундагина у ҳаракат ва ривожланишнинг қуролига айланади.* «ЎзМЭ».

2 Бирор фан соҳасини ёки унинг бирор қисмини ташкил этувчи асосий ғоялар, умумлашган қоидалар мажмуи. *Машина ва механизмлар назарияси. Ўрмончилик назарияси.*

3 Бирор соҳада ҳунар олиш, малака орттириш, маҳоратни ошириш йўлидаги билим-қоидалар мажмуи. *Мусиқа назарияси. Шахмат назарияси. Самолётни бошқариш назарияси.*

4 Илм-фан, санъат ва б. соҳаларнинг мантиқий абстракт фикрлаш йўли билан ишлаб чиқилган асослари. *Назарияни амалий иш билан боғлаш.*

5 Воқеа, ҳодиса ва ш. к. ни тушуниш-тушунтиришнинг умумий принципларини асослаб берувчи илмий қонун-қоидалар мажмуи. *Дарвиннинг турларнинг келиб чиқиши ҳақидаги назарияси.*

6 Бирор нарсага, масалага бўлган умумий ва шахсий қараш, нуқтаи назар. *"Санъат санъат учун" деган беҳуда назария. Унинг ҳар бир масалада ўз назарияси бор.*

НАЗАРИЯЧИ *айн.* **назариётчи.** *Ҳаёт тақозо қилган ҳар бир ислоҳотни назариячилар билан бамаслаҳат амалга ошириш фойдадан холи эмас.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

НАЗАРКАРДА [*а.* + *ф.* نظركرده – сеҳр, афсун қилинган; худонинг паноҳидаги, худо сақлаган] Оллоҳнинг, улуғ кишиларнинг назари тушган, кўп илтифоту меҳрибонликларга сазовор бўлган. *Навоий биринчи бўлиб қаламга олган назаркарда шайхлар орасида Исҳоқ ота, Қўрқут ота, Бобо Хушкелди каби кўплаб мўътабар номлар бор.* П. Қодиров, Тил ва эл.

НАЗАРЛАНМОҚ Халқ ишонч-эътиқодига кўра, "кўз тегиб" оғримоқ ёки ёмон томонга ўзгармоқ. *-Сути камайиб кетганми, касалми, билмадим. Бувим "назарланган" дейдилар, – деди Мурод.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

НАЗАР-НАФАС Халқ ишонч-эътиқодига кўра, "ёмон кўз", назарлантирувчи кўз, қараш. *Бувим бўлса нуқул: -Хўш, хўш, жонивор, хўш, назар-нафас қурсин, кимнинг кўзи тега қолди сенга, – дер эдилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

НАЗАР-НОГИРОН Кўзга ташланмайдиган, биров эътибор бермайдиган. *Етимча, назар-ногирон Муҳаммаджон оғизга тушиб, пешқадамлар қаторига кириб қолди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

НАЗАР-ПИСАНД: **назар-писанд қилмаслик** Менсимаслик, назарга илмаслик, ўзини баланд тутиб, кимсага паст назар билан қараш. *Отасининг остонасида юрган бир камбағал малай йигит уни назар-писанд*

қилмасин, унинг ялинишларини, ваъдаларини тингламасин! Ким у? Ойбек, Танланган асарлар. *Ўтганингда бир қайрилиб кулмайсан, Ёки бизни назар-писанд қилмайсан?* Т. Тўла.

НАЗД [*ф.* نزد — ёни, яқини, атрофи]: **наздида** *кўм. (б. к. билан) эск.* 1) олдида, қошида. *Азизбекни қўлга тушириб бериш билан қипчоқлар наздида ҳам Юсуфбек ҳожининг қадру қиймати юқориланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) назарида, хаёлида. *Ўшанда бу қиз унинг наздида фариштадек бўлиб жонланган, хаёлида алланечук муқаддас бир из қолдирган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

НАЗЗОРА [*а.* نظّاره — қараш]: **наззора қилмоқ (***ёки* **айламоқ)** *эск. кт.* Қарамоқ, назар, нигоҳ ташламоқ. *Кўз учида ул кун қилдинг наззора, Кўйингда мен йиллар кездим овора.* Ҳабибий. *Теваракка айлаб наззора, «Пиқ» этди-ю, кулди Ситора.* М. Али, Боқий дунё.

НАЗИРА [*а.* نظیره — ўхшаш нарса; ўхшатиш; нусха] **1** *ад.* Ўзидан олдин ўтган ёки замондош адиб асарига ўхшатиб ёки унга жавоб тариқасида ёзилган янги асар. *Шоир ғазалига ёзилган назира.* ▬ *Одатда, у бир ғазал айтар, келаси анжуманда шоири замонлар мазкур ғазалга назира боғлар эдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Назира (хотин-қизлар исми).

НАЗЛА [*а.* نزله — шамоллаш] **1** Кўз ёки бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши, тумов натижасида кўз ёки бурундан оқадиган шилимшиқ сариқ сув. *Ўрта Осиё халқлари назла ёхуд кўк сув деб ном берган кўз касаллиги бор.* Т. Қосимов, Кўзингизни эҳтиёт қилинг.

2 Кўз касаллигининг номи; глаукома. *Табиблар: «Сафро мияга урса — жинни, назла кўзга тушса — кўр қилади», дейишади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

НАЗМ [*а.* نظم — тизиш, териш; шеър ёзиш; шеърлар] *ад.* Шеърий асар; шеърият, поэзия жанри. *[Абдишукур] Шоирлик истеъдодидан тамом маҳрум бўлишига қарамай, у "миллатни уйғотиш" учун вазни бузуқ, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАЗМБОЗЛИК Шеър ўйини, бўлар-бўлмас мавзуни назмга солиш. *Кейинги йилларда вужудга келаётган назмбозлик, айниқса, ижодкорларда улкан ўзгаришлар, кечаётган воқеаларга нисбатан лоқайдлик иллатлари пайдо бўлаётганлиги айтиб ўтилди.* Газетадан.

НАЗМГЎЙ [*а.+ф.* نظمگوی — назм, шеър айтувчи] Шеър айтувчи. *Рўзибой Хивадаги созандаю хонанда, назмгўй, котиб, қилқалам, халфаю талқинчиларнинг қаерда туришини, шу топда қаерда юрганини ипга тизиб ўтирадиган зийрак чойхоначи эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

НАЗМИЙ *сфт.* Шеъриятга оид, назмда ёзилган. *Маълумки, халқ достончилигида насрий ҳамда назмий парчаларнинг аралаш келиши табиийдир.* «ЎТА».

НАЗОКАТ [*а.* نزاکت — хушмуомалалик, латифлик, нозиклик] **1** Кишининг юриш-туриши, ҳаракат ва қилиқларидаги нозиклик, латофат. *Қиз асилзодаларга хос бир назокат билан ўзини эркин тутиб кулимсираётган бўлса ҳам, кўзининг ҳаёдан ялтиллаб кетганини Мавлоно Фазлиддин пайқади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Зебонинг ўзи салобати, кўркамлиги, назокати, латофати ва табассуми билан хаёлни чулғаб келарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Муомаладаги нозиклик, одоб. *Мурод дарров туриб, ҳожи билан сўрашди ва назокат билан унга жой кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Майор қизнинг тирсагидан йигитлардек назокат билан ушлаб, Аъзамларнинг олдига олиб келди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

3 Назокат (хотин-қизлар исми).

НАЗОКАТЛИ Юриш-туриши, ҳаракати ва муомаласи нозик, латиф ва ёқимли, назокати билан кишига ёқадиган; одобли. *Назокатли аёл. Назокатли бўлмоқ.* ▬ *Уйда ёлғиз ўтирганида ҳам, ишда ҳам Гулхайрининг назокатли боқишлари, ҳароратли лаблари кўз олдидан нари кетмай, юрагига ўт туташади.* С. Нуров, Нарвон. *Маҳалладаги қариялар ёшларни юксак маънавий покликка, назокатли бўлишга ўргатадилар.* Газетадан.

НАЗОРА *айн.* **наззора.** *Жаноби домла кўчанинг у ён-бу ёнига назора айлаб, ичкарига суқулдилар.* Чустий, Пардайи асрор.

НАЗОРАТ [*а.* نظارت — бошқариш, идора қилиш; вазирлик; бошқарма] **1** Бирор ишнинг, нарсанинг аҳволи, бориши, кишининг юриш-туриши ва ш. к. устидан доимо кузатиш, текшириш. *Назоратдан четда қолган иш. Техника назорати. Назорат қилмоқ. Назорат остига олмоқ.* ▬ *Куль-*

тивация қилиб жўяк оладиган универсаллар иши устидан алоҳида назорат ўрнатилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Терговнинг боришини шахсан Халиловнинг ўзи назорат қилмоқчи.* И. Раҳим, Ихлос. [*Саид*] *Малоҳат билан судлашибди чоғи, ўзи ҳам милиция назоратида эмиш.* А. Мухтор, Чинор.

2 *эск.* Шундай иш олиб борувчи муассаса, бўлим; инспекция. *Сафаров авваллари Тафтиш назоратида нозир бўлиб ишлаганида ҳам, отпуска олмас, ўз соғлиғини ўйламас эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *эск.* Комиссарлик, нозирлик, министрлик. *[Обидийга] Маориф назоратидан каттагина бир вазифани беришди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НАЗОРАТСИЗ Назорат остига олинмаган, назоратдан ташқари. *Назоратсиз болалар. Назоратсиз қолмоқ.*

НАЗОРАТЧИ Назорат идораларида ишловчи; назорат қилувчи; қараб, текшириб турувчи; нозир. *Халқ назоратчилари. Темир йўл назоратчиси.* ▬ *Назоратчиларимиз жамоатчилик топшириқлари билан бирга ўз иш-вазифаларини ҳам виждонан, ҳалол адо этиб, алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар.* Газетадан. *Ичкаридаги ҳар бир парта рақамланган. Назоратчи қуръа ташлаш йўли билан абитуриентларни жойлаштиради.* Газетадан.

НАЗР [*а.* نذر – тантанали ваъда; қасамёд; шу асосдаги қурбонлик, назр-ниёз] *дин.* **1** Савоб учун ёки бирор муддао билан худо йўлига аталган ёки берилган нарса. *Бир мачит ҳовлисидаги қайрағоч тагида назрга қўй сўйилар эди. Улар шу ерда тўхташди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Толеим қурсин, деб ёндим, куйдим. Фолбинларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Азайимхон, домла ва ш.к. га ўқиб, дам солиб қўйганлиги ва б. амаллари учун бериладиган ҳақ, мол ёки пул. *Сен ҳам.. ўша ҳиндини топасан ва назрини бериб, яхшилаб қайтариқ қилдирасан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Назри нақдона бўлмаса, кўнглим ҳам жойига тушмайди, иш ҳам юришмайди,* – *деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *айн.* **хайр-садақа**. *Кўз оғриғи уни [девонани] чўчитмас учун наридан туриб, ёнчиғини кавлай берди: -Сизга.. назрим бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Савоб учун ёки маълум нарса эвазига ўзини-ўзи ёки фарзандини маълум шахсга, табаррук жойга бағишлаш. *Ҳамма гап шундаки, Ёдгор ота Каромат, Адолат отлиқ икки қизини бирданига Нурматжоннинг отаси Тошхўжа эшонга назр қилган эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Куни кеча мозорга бир маликаи зебо чеҳра назр этилди. Шу ожизани эртагаёқ ҳарамингизга ўзим келтириб топшираман.* К. Яшин, Ҳамза. *Қурбон отанинг йигитлик ҳаёти якуни шуки, «бу дунё бўлмади, энди охиратдан ҳам қуруқ қолмай», деб ўзини-ўзи Саидаҳмадхон деган эшонга назр қилган.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

НАЗР-НИЁЗ *айн.* **хайр-садақа**. *“Ҳазрати султон” шайхларига назр-ниёзлари бекорга кетмаганига, қизининг бўйида бўлганига.. ишонди, кулумсиради.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Зиёратга келганлар қовоқ солиб ўтирган авлиёга салом беришиб, унинг ёнига назр-ниёзларини қўйишди, эскигина сопол товоққа биттадан кумуш танга ташлашди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

НАИНКИ [*ф.* نه اینکه – ..деб ҳам бўлмайди; аммо.. унчалик эмас] *юкл.* Шубҳа, ажабланиш, ишонмаслик каби маъноларни ифодалайди; наҳотки. *Наинки фашист фақат душмангина бўлса, наинки унинг бутун қилиш-қилмишларини минг йиллардан бери одам боласига маълум бўлган “душман” калимаси ифода қила олса.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Фақат саналган нарсаларгина эмас маъносида; бундан ташқари; нафақат. *Умиданинг ўзига ором олиш қачон насиб бўларкин? У ўша француздан ҳам аянчроқ ҳис қилади ўзини. Наинки вужуди, бутун ҳаёти, руҳи қийноқда.* А. Мухтор, Чинор. *Жимжитлик, кимсасизлик, ярим ўлик табиат наинки инсон, жониворлар юрагига ҳам ваҳима соларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

НАЙ [*ф.* نی] **1** Узун, ичи тешик нарса, ингичка труба. *Шиша най. Қамиш най.*

2 Турли нарса, асбобларнинг шу шаклдаги қисми. *Мулла чилимнинг найини лабига бир тегизгандан кейин уни Ҳайит амин томонига буриб.. бир жилмайди.* С. Айний, Қуллар.

3 Олтита тешигини бармоқлар билан бекитиб-очиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби; сибизға. *Набигул келди. Унинг кетидан бири най, бири танбур, бири дутор*

кўтарган уч йигит кирди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Йўлчи чиндан ҳам най чалишни билар эди ва яхши чалар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАЙЗА I [*ф.* نیزه – санчқи, найза] **1** Қўл билан отиб ёки уриб санчиш учун мўлжалланган, учи ўткир қурол. *Мудофелар қўлларидаги милтиқ, шашвар, ойболта, қилич ва найзалари билан тизилишиб олдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси, Ботирни инграттар найза яраси.* «Алпомиш».

2 Милтиқнинг учига ўрнатиладиган учи ўткир қисми; штик. *Нормат милтиқ найзасини ёвнинг кураклари ўртасига ботирарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Газандалар чаққанда, уларнинг баданга санчиладиган аъзоси. *Ари найзаси.*

4 *сфт.* Санчиладиган, найзадек, найзага ўхшаш, санчилиб кирадиган даражада ўткир. *Учи найза қалам.*

5 *кўчма.* Сезиларли таъсир, куч. *Совуқ ўз найзасини келиб-келиб фақат тиззаю тирсакка ураётгандай бўларди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

6 *кўчма* Тик, тўғри. *-Сўзга қулоқ сол, шаллақи! – Ёрмат кўзларини найзадай қадади. – Етмишда эмас, олтмиш бешда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улар қишлоқ марказига етганда, қуёш найза бўйи кўтарилган эди.* М. Жўра, Ноширнома.

Кун (*ёки* **офтоб**) **найзага келганда** Қуёш айни тепага келган, қизиган пайт, туш пайти. *Сал вақтдан кейин, офтоб найзага келганда, пайкалда ишлаш у ёқда турсин, нафас олиш маҳол бўлиб қолади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Айниқса, кун найзага келганда, бутун бодомзор жимжит, сукут ичида қолгандай бўларди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

НАЙЗА II Амалий санъатда нақш тури.

НАЙЗАБАРГ Гуллари оқ кўп йиллик илдизпояли ўт.

НАЙЗАБАРДОР [*ф.* نیزه بردار – найза кўтарувчи] Найза тутган, найза билан қуролланган аскар. *Найзабардор отлиқларнинг ҳамласи Шаҳарлардан эсиб ўтди ел каби, Пиёдалар тўлқинланиб босарди, Чопар эди ёвга қарши сел каби.* М. Шайхзода.

НАЙЗАБОЗ [*ф.* نیزه باز – найза ўйнатувчи] **1** Найза билан қуролланиб жанг қилувчи, найза билан жанг қилишга уста, моҳир одам.

2 *кўчма с. т.* Бўлар-бўлмасга танқид қилишни яхши кўрадиган одам; танқидбоз.

НАЙЗАБОЗЛИК Найза жанги, найза билан жанг қилиш (қўл жанги турларидан бири). *Душман солдатлари найзабозликка дош беролмай қоча бошлашди.* ▬ *Ребров ажойиб жангчи, айниқса, найзабозликда ҳеч ким унга бас келолмайди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Дарвозахонада найзабозлик ва қиличбозлик бошланди. Фозил Тархон бўйнидан қилич еб, отдан йиқилиб тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

НАЙЗАДАСТ [*ф.* نیزه دست – қўлида найза ушлаган, найзаси бор] *фольк.* Найза кўтарган, абжир. *Қорахон подшо салтанатли беклар билан.. неча найзадаст ботири билан, жиловдор шотири билан боғнинг устидан келиб қолди.* «Орзигул».

НАЙКАМАЛАК [най + камалак] *айн.* **камалак 2, ёй** I **1.** *Ғорнинг оғзига яқинлашганингизда, сиз аввало қуёш нури ва булоқ суви зарраларидан пайдо бўлган ажойиб найкамалакни кўрасиз.* А. Мухтор, Чинор. *-Найкамалак! – деди Анорхон осмонга кўзи тушиб. Севинганидан қарсак чалиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

НАЙЛАЙИН *поэт.* Нима қилайин, қандай қилайин. *Ғайри, ғайри жойа келдим, найлайин, Кун тушмаган сойа келдим, найлайин.* «Равшан».

НАЙМАН Ўзбек халқининг этник таркибига кирган қабилалардан бирининг номи. *Булар орасида қипчоқ, найман, лақай, қорақалпоқ, қиёт, уйғур каби кўпгина уруғлар мавжуд.* «ЎТА».

НАЙНОВ [*ф.* نیناو] **1** *с. т.* Бўйи баланд, новча. *Инглиз укки кўз, карнай бурун, кампир даҳан, қилтириқ бўйин, найнов эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма с.т.* Ўта содда, бўшашган. *Найновнинг ақли – тўпиғида.* Мақол.

НАЙРАНГ [*ф.* نیرنگ – ҳийла, найранг, макр; фокус; сеҳргарлик] **1** *эск.* Кўз илғамайдиган ҳаракат, чаққонлик ва ҳийла ишлатиб кўрсатиладиган томоша, кўз боғлаш; фокус.

2 *кўчма* Алдамчиликка, макр-ҳийлага асосланган хатти-ҳаракат; ҳийла, лўттибозлик. *Унинг* [*Элмуроднинг*] *назарида, Мадаминнинг бу ҳаракати соддадил одамларга ўзини ҳукуматга "берилган" қилиб кўрсатиш учун қилинган найрангга ўхшарди.* П. Турсун,

Ўқитувчи. *Ана, текширувда раиснинг ҳамма найранглари очилиб, ишда қолиш-қолмаслиги гумон бўлиб турганмиш-ку!* «Ёшлик».

НАЙРАНГБОЗ [*ф.* نیرنگباز – ҳийлакор, алдамчи; фокусчи] **1** *эск.* Кўз боғловчи; фокусчи.

2 *кўчма* Алдов, макр-ҳийла билан иш тутадиган; ҳийлагар, лўттибоз. [*Ғуломжон:*] *Мени бу ерга келтирган найрангбоз қизингизни чақириб, эл олди-да, эр олдида сўроқ қилишингизни талаб этаман.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАЙРАНГБОЗЛИК **1** Найранг билан машғуллик, найрангбоз эканлик.

2 Кўз боғлаш; фокус. *Бозоршабда.. турли-туман найрангбозлик, қизиқчилик.. қилиб бериб, томошабинларни, хусусан, ёш болаларни ҳайрон қолдирар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

3 *кўчма* Найрангга асосланган иш, хатти-ҳаракат; найранг. *Найрангбозлик қилма.*

НАЙСИМОН Найга ўхшаган; най шаклида ўралган. *Амир қалтироқ қўллари билан найсимон мактубни ёзиб, ўқишга киришди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

НАЙСОН [*ф.* نیسان – сурёний тақвими бўйича апрель ойига тўғри келадиган 5-ой номи] **1** Ўрта баҳор; апрель ойи.

2 Эрта баҳорда, апрелда ёғадиган ёмғир. *Биз сайрга чиққанда, баҳор найсонлари бошланиб қолсаям майли, чунки у табиатни уйғотиб юборади.* «Гулистон».

Абри найсон *қ.* **абр**.

НАЙЧА I [*ф.* نیچه – кичик най, қамишча] **1** Кичик ёки ингичка най. *У ерда ҳам лабораториядагидай эгри-бугри шиша найчалар, шиша идишлар, ўлчағичлар, электрокамера, ҳар хил асбоблар.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *махс.* Ип ўраладиган найсимон асбоб ёки машина қисми. *Бу ернинг бола-чақаси тили чиқиб, аввал билган сўзи – арқоқ билан тароғу найча билан моки.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *бот.* Полиз экинларида ҳосил бўлувчи тугунча, нишона. *Шу билан ошқовоқнинг тутган найчалари сарғайиб тўкилаверди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Шаҳарликлар жуда олифта, нозик келишади. Подвалда кўкартирилган картошка уруғининг найчасидан ҳам нимжон.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

НАЙЧА II Юпқа металл япроқча ўрами (най шакли)дан иборат, чаккага тақиладиган аёллар тақинчоғи.

НАЙЧАЛАМОҚ Тугунча ҳосил қилмоқ, тугмоқ (қовун, бодринг, қовоқ каби полиз экинлари ва б. ҳақида). *Бодринг найчалади.* ▬ *Хуллас, қаттиқ меҳнатлари зое кетмади, қўшниларники чопиққа етганда, Холбойнинг пахтаси иккинчи чопиқ сўраб ғунчалади, гуллаб найчалади.* К. Яшин, Ҳамза.

НАЙЧИ Най чалувчи созанда. *Чалишни билмайман. Катта дадам: "Чалма, сен найчи бўласанми, ёмон кўраман", дейди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАКАЗ [*р.* наказать – «буюрмоқ, топшириқ бермоқ» фл. дан ҳосил бўлган от: талаб ва топшириқ] Сайловчиларнинг ўзлари сайлаган депутат ёки органга берган топшириқлари, талаб ва истаклари. *Халқ депутатларига сайловчиларнинг наказлари.* ▬ *Ферма турган жойда, кичик бўлса-да, клуб очиш тўғрисидаги наказ ҳам Ажарбой ака ташаббуси билан амалга оширилади.* Газетадан.

НАКИ *с. т.* Негаки, нима учун десанг. *Раҳмат, юзга кир, ували-жували бўл, ўғлим.. Шу сўзинг ўзи олтиндан аъло. Наки, кўнглимни кўтарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАМ [*ф.* نم – ҳўллик, зах, рутубат; сув, суюқлик; шудринг; кўз ёш] **1** *от* Бирор нарса таркибидаги ёки унга шимилган, сингиган сув. *Нам емоқ. Нам тортмоқ. Ернинг нами қочибди. Тупроқдаги намни сақлаш чоралари.*

2 Сув; суюқлик. *Нам кўрмайин, қақраб бу чўллар Асрларни кутиб олганлар.* Ҳ. Олимжон. *Бодринг – иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

3 *сфт.* Сув шимган; ҳўл. *Нам рўмол.* ▬ *Оёқ остидаги нам тупроқдан инсон учун жуда яқин, қон-қариндошлик иси димоққа уриларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Раҳимберди нам кўзларини артиб: -Йиғлаганим йўқ, ўғлим, – деб жавоб берди.* Х. Тўхтабоев, Шонли авлод.

Нам юқтирмас Унча-мунча нарсага парво қилмайдиган, бетаъсир (одам).

НАМАК [*ф.* نمک – туз] *шв.* Туз.

НАМАКОБ [*ф.* نمکآب – тузли сув] Тузли сув, туз эритилган сув. *Намакобда тузланган бодринг. Намакоб бўлиб кетибди.* ▬

Сигирингизнинг қаншарига темиратки чиқибди, намакоб суркадим, нос суркадим — бўлмади, пичоқ билан қириб, керосин суркаш керакмиш. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

НАМАКСИЗ Тузсиз. *Намаксиз таом қанчалик бетаъм бўлса, мантиқсиз нутқ ҳам шунчалик бемаъни бўлади.* Р. Усмонов, Одобнома.

НАМАТ [*ф.* نمد — кигиз] **1** Юнгдан босиб ишланган палос; кигиз. [*Нигора*] *Чайланинг олдига солинган намат устига оёқларини узатиб ўтирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *сфт.* Юнгдан босиб ишланган материалдан тайёрланган, тикилган (кийим). *Намат патак.* ▬ *Тўқ кулранг намат беректасини бошидан олиб, чангини қоқди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қиличев, «игна учидек тешикдан туядек шамол киради», деб кечаси қалин пахталик нимчаси билан оёғидаги намат этигини ечмай ётарди.* Мирмуҳсин, Занглаган қилич.

НАМГАРЧИЛИК 1 Ёғин-сочин вақти ва шу вақтдаги захкашлик, лойгарчилик. *Қоровулхонадан янги молхонага бориш учун икки томони қинғир-қийшиқ, у ер-бу ери баҳорги намгарчиликда қулаб тушган эски девор билан тўсилган кўчадан ўтилади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ёғингарчилик. *Намгарчилик кўп бўладиган ҳудудлар.* ▬ *Совуқ намгарчилик ҳали ёз хотираси билан мунғайиб турган кузги гулларнинг рангини ўчириб кетди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

НАМИҚМОҚ Нам тортмоқ, нам бўлиб қолмоқ; ҳўл бўлмоқ. *Захда сомон намиқиб қолибди.* ▬ *Унинг [Шербекнинг] елкасига ва туртиб чиққан белига тердан намиққан кўйлаги ёпишиб қолган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Сувчилар сувни эгатларга бир меъёрда тараб, жилдиратиб, тагидан намиқтиришга алоҳида эътибор берадилар.* Газетадан.

НАМЛАМОҚ Нам қилмоқ, нам бермоқ, ҳўлламоқ. *Ўктамнинг боши қизиб ёнади, тер томчилари манглайидан юмалаб, киприкларини намлайди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Унинг [Гулсумнинг] кўз ёши билан намланган киприклари капалак қанотидай силкинди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАМЛИ Нами бор, намга эга; нам, ҳўл. *Намли ва булутли ҳавода ўргимчаклар, шилликлар туғилади, шудгордан бошқа озиқ тополмагандан сўнг янги ўсиб чиққан ғўзаларни қирқишга бошлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

НАМЛИК 1 Ҳаводаги сув буғлари ва моддий жисмлар таркибидаги сув миқдори. *Бу намлик, асосан, куз, қиш ва баҳор фаслларида тушиб, ўсимликка зарур бўлган миқдорни асло қондиролмайди.* «Фан ва турмуш».

2 Намга эгалик; нам бўлган ҳолат. *Кийимни намлигида дазмолламоқ.*

НАМОЁН [*ф.* نمایان — очиқ-ойдин кўриниб турган, ошкора; кўринарли, сезиларли] Яққол кўриниб турадиган, гавдаланадиган; очиқ-ошкор, равшан кўриниш, кўрсатиш. *Намоён бўлмоқ. Намоён қилмоқ.* ▬ *Тонг ёришди. Бурқиган тутун ва чанг орқали шаҳарнинг хароб гавдаси аста-секин намоён бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Сайрамов звенолар ишини, худди ойнада кўриб тургандай, яққол намоён қилди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Келди очилур чоғи — ўзлигинг намоён қил, Парчалаб кишанларни, ҳар томон паришон қил.* Ҳамза. *Ҳаёт бутун кўркамлиги билан улар кўзи олдида намоён.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Айтсам, куч оламан «дўстлик» сўзидан, Бу сўзда ўтилган йиллар намоён.* Э. Раҳим.

НАМОЗ [*ф.* نماز — мусулмонларда оллотаолога ибодат, дуолар] **1** Мусулмонларнинг кунига беш маҳал қилинадиган ибодатлари мажмуи ва уларнинг ҳар бири. *Эрталабки намоз. Кечки намоз. Жума намози. Намоз ўқимоқ.* ▬ *Меъмор ювиниб, таҳорат қилиб, намозни ўқиб олгач, ҳовлига чиқди. Нонуштага ҳозирлик қилишни шогирдларига топширди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Умуман, ибодат. ▬ *-Юсуфжон, мусулмонсан, намоз, рўза ўрнига масхарабозлик қилиб, аҳли имон, аҳли растани тоат-ибодатдан қўяр эмишсан. Ташла бу касбни, гумроҳ бўлма, — деди эшон.* К. Яшин, Ҳамза.

Намоз куни Ҳайитнинг намоз ўқиладиган биринчи куни.

3 Намоз (эркаклар исми).

НАМОЗГАР [*ф.* نمازدیگر — бошқа, бошқа пайтдаги намоз; аср намози] **1** Кун ботиш олдидан ўқиладиган намоз, беш вақт намознинг учинчиси.

2 *эск.* Кун ботиш олдидаги пайт. *Шу куни намозгаргача.. уруш бўлиб, Асқар понсад оғзидан ўқ еб ўлибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НАМОЗГОҲ [*ф.* نمازگاه – намоз ўқиладиган жой; масжид] Кўп одам йиғиладиган, катта маросимларда намоз ўқиладиган жой.

НАМОЗЛИК 1 Тоза, намоз ўқишда кийиладиган кийим.

2 Намоз матни. *Кампир ҳар куни, шомдан кейин Ғафforжон икковимизни кўчага чиқармай, намозлик ва ҳар хил дуолар ўргатарди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

НАМОЗХОН [*ф.* نمازخوان – намоз ўқувчи] Намоз ўқувчи; намозни канда қилмайдиган диндор киши. *Ҳамза ҳожини минг-минг намозхонлар ичида, баланд овоз билан дуо қилишди. Катталари «Ҳамза ҳожи», кичик қоривaччалари «Ҳожи ака» дейдиган бўлишди.* К. Яшин, Ҳамза.

НАМОЗХОНА [намоз + хона] Намоз ўқиладиган бино, хона, жой. *Каттайўл бўйидаги маиший-техник хизмат кўрсатиладиган танҳо бир масканда.. намозхона ва ошхона мавжуд эди.* Газетадан.

НАМОЗШОМ [*ф.* نمازشام – шом намози ва у ўқиладиган пайт] **1** Кун ботиб, қоронғилик туша бошлаган пайт, қош қорая бошлаган вақт; оқшом. *[Тиллабой] Олдига қўйилган овқатларни хўп еб олгандан кейин, хуфтонни намозшомдаёқ чала-чулпа ўқиб олиб, дарров ухлаб қолар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кун ботгандан бир оз кейин ўқиладиган намоз, беш вақт намознинг тўртинчиси. *Сўзни келган ерида тўхтатиб, Ҳожибобо имом бўлган ҳолда, намозшом ўқишга қўзғалдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Дили (*ёки* **кўнгли**) **намозшом бўлмоқ** Дили қоронғи бўлмоқ, қаттиқ хафа бўлмоқ, ранжимоқ. *-Хунук воқеадан дилим намозшом бўлиб, хаёл суриб келаётган эдим, Ўринбойнинг сўзларига унча эътибор бермабман, – деди Камол.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

НАМОЗШОМАТЛАС Ипак газлама (атлас)нинг бир тури. *Машинистка Робияхон турмушга чиққанда, битта жемпер билан намозшоматлас тўёна қилганмиз, ўшанда сиз ўн тўрт сўмга қўл қўйгансиз, тўғрими?* С. Аҳмад, Сайланма.

НАМОЗШОМГУЛ [*ф.* نمازشامگل – шом пайти очиладиган гул] Гули кечқурун очилиб, эрталаб ёпиладиган кўп йиллик ва бир йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг оқ, сариқ ёки қизил гули. *Офтоб қайта бошлар, кўланка майдон, Яна бош кўтарар намозшомгуллар. Секин мовийлашар қизарган осмон, Оқариб кўринар кумушранг йўллар.* А. Орипов, Онажон.

НАМОЙИШ [*ф.* نمایش] **1** Бирор маросим ёки байрам муносабати билан ўтказиладиган, бирор мақсад билан уюштириладиган оммавий юриш, ҳаракат. *Элмурод, Эргаш, Муса, Омон ўша куни бўлган намойишда саф олдида навбатма-навбат байроқни кўтариб бордилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тажрибада, амалда кўрсатиш, намоён қилиш. *Денгизга ўхшаш теп-текис ерларда занжирли тракторлар ўз қудратини намойиш қилиб.. пароходдай сузиб юрарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *кўчма* Бирор нарсани кўрсатувчи, намоён қилувчи далил, бирор нарсанинг мужассам ифодаси. *Ҳаваскор артистларнинг шаҳар ва қишлоқларда берган концертлари фольклор қўшиқ ва рақсларининг ёрқин намойиши бўлди.* Газетадан.

НАМОЙИШГОҲ [*ф.* نمایشگاه – намойиш жойи] Намойиш ўтказиладиган жой. *Толлар соя солиб турган кенг майдон асфальтланиб, катта намойишгоҳга айлантирилди.* Газетадан.

НАМОЙИШКОРОНА *рвш.* Атайин ҳаммага кўрсатиб, очиқдан-очиқ. *[Умида].. биринчи қаторга, Бергернинг шундоқ рўпарасига келиб, курсини намойишкорона тарақлатиб ўтирди.* А. Мухтор, Чинор.

НАМОЙИШЧИ Намойиш қатнашчиси. *Шаҳар кўчаларида намойишчиларнинг кети узилмайди.*

НАМОЯНДА [*ф.* نماینده – вакил, вакolatли] Бирор ижтимоий гуруҳга ёки соҳага мансуб бўлган шахс; вакил. *Ўзбек адабиёти намояндалари. Фан намояндалари.* ▬ *Конгресс ишида фақат тиббиёт намояндаларигина эмас, шу билан бирга, кимё, физика фанларининг намояндалари ҳам қатнашмоқда.* Газетадан.

НАМРЕЗА [*ф.* نمریزه – тўкилган нам] *айн.* **шабнам.** *Эрталабки намреза туфайли бўлса керак, гуллар худди ҳозиргина узилгандек.* Н. Аминов, Суварак.

НАМТОБ [*ф.* نمتاب] Намиққан, намни сингдирган, нам ҳолатли; салқин. *Гулноз отилиб, боғ кўчага чиқди ва Қичқириқ шалоласининг намтоб салқин ҳавосидан кўкрагини*

тўлдириб нафас олди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Машина эрталабки намтоб тупроқда жимжимадор тасмадек иккита из қолдириб, район марказининг катта кўчасидан дала йўлига чиқиб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

НАМУНА [*ф.* نمونه – андаза, нусха; ўрнак, ибрат] **1** Бир турдаги нарсаларнинг шу нарсалар ҳақида тасаввур бера оладиган бир нусхаси, бўлаги, донаси. *Газлама намунаси. Ғалла намуналари кўргазмаси.*

2 Тимсол, мисол. *Қутбиддинлар икки кун давомида ложувард конини ўрганишди, ўн килограммча намуна олишди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг ҳаётий ва ижодий йўли камтарлик, меҳнатсеварлик ва халққа сидқидилдан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 Ўрнак бўла оладиган, ибрат олса, эргашса арзийдиган шахс ёки нарса; ибрат, ўрнак. *У меҳнатсеварликда ҳаммага намуна. Намуна кўрсатмоқ. Намуна олмоқ. Намуна мактаби.* ▬ *-Биз мактабимиз билан фахрланамиз. Бу ерни битириб кетганлар бизга намуна ва ўрнак, – деди Аъзам Расулов.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

НАМУНАВИЙ *айн.* **намунали**. *Район бўйича эмас, Ўзбекистон бўйича энг обрўли, намунавий колхозлар қаторига кўчади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Жамоатчилик ишларида фаол қатнашаётган, ўзининг намунавий хулқи, одоби билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган Барно зиммасига масъулиятли вазифа юкланди.* Газетадан.

НАМУНАЛИ **1** Ўрнак бўла оладиган, ўрнак, ибрат олса бўладиган. *Намунали хўжалик. Кўкламги чигит экишни намунали ўтказиш.*

2 Ҳаммага ибрат бўлсин учун махсус ташкил этилган, уюштирилган, ўтказилган. *Намунали суд.*

НАМУНЧА *айн.* **бунча**. *-Намунча ўйланиб қолдингиз, сиз бу қизлар билан қаерда танишган эдингиз? – деб сўради Нигора Самардан.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Вой-бў, гапира қолинг, намунча нафасингиз ичингизга тушиб кетмаса, Ғойиб ака?* Ж. Абдуллахонов, Орият.

НАМХУШ [*ф.* نمخشک – ярим (чала) қуруқ] *шв.* Нимхуш, бир оз намли. *Тўйчибой ака шу гапларни айтгунча терлаб кетди, белбоғига қистириқли намхуш рўмолчаси билан юзларини, пешонасини артди.* С. Маҳкамов, Дала тонги. *Намхуш ҳавода қиш уйқусини тарк этган тупроқнинг майин иси оҳиста қанот қоқади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Намхуш шамол эсади Жўнариқ соҳилидан..* Х. Салоҳ.

НАМЧИЛ Нами бир оз сақланган. *Жумабой ака ер ҳиди келиб турган намчил пахтазор четига чўнқайиб, бир қисм майин тупроқни кафтида аста ёзаркан, гўё у билан гаплашарди.* Ў. Усмонов, Ўжар одамлар.

НАНАЙ *қ.* **нанайлар.** *Нанай тили. Нанай аёл.*

НАНАЙЛАР Россия Федерациясида Амур дарёси водийсида яшовчи кичик халқ.

НАННА *бол.* Нон; овқат.

НАПОРМОН *қ.* **нафармон.** *Арикча бўйидаги атиргул, қизил гул, напормон гуллар очилиб ётибди. Қирлардан эсаётган майин шабада ана шу гулларнинг ғунчаларини ёзмоқда, япроқларини учириб келиб, Адолатнинг бошига сочмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Гуллар жилвасидан товланади боғ, Гунафша, гулсафсар пушти, напормон.* Миртемир, Танланган асарлар.

НАР [*ф.* نر – эркак жинсидаги; эркак; жасур, мардона] Эркак жинсли ҳайвон ёки парранда. *Маълумки, канарейкаларнинг фақат нари сайрайди, холос.* «Фан ва турмуш».

НАРВОН [*ф.* نردبان – зина, зинапоя; шоти] Икки ёни узун ёғоч ёки металл ва унга кўндалангига маҳкамланган ёғоч ёки металл поғоналардан иборат, юқорига чиқиш ва тушиш учун ишлатиладиган асбоб; шоти. *Томга нарвон қўйиб чиқмоқ. Нарвонга чиқсанг, шошмай чиқ, Ўз ҳаддингдан ошмай чиқ!* Мақол. ▬ *Отхона олдидаги нарвонга кўзи тушиб, нарвонни кўтарганча болохонага қўйди-да, тепага кўтарила бошлади.* У. Исмоилов, Сайланма.

НАРГИС [*ф.* نرگس < *юн.* Narkisos – юнон мифологиясида: ўз ҳуснига ошиқ бўлиб, шу ишқдан ҳалок бўлган ва маъбудлар томонидан шу номдаги гулга айлантирилган ёш йигит] **1** Оқ ёки сариқ гулли кўп йиллик ўт ва унинг чиройли гули.

2 Наргис (хотин-қизлар исми).

НАРД(А) [*ф.* نرد – ўйин тури] Рақиб томонларнинг шашкаларни ўйин тахтасининг икки қарама-қарши томонига жойлаштириб, уларни ўртага отилаётган соққаларнинг кўрсаткичлари (холлари)га қараб

уяча (катак)лар бўйича суриб, уячаларни тезроқ тўлдиришидан иборат қадимги ўйин ва шу ўйин учун керак бўладиган нарсалар йиғмаси. *Нард ўйнамоқ. Нардани тезроқ олиб кел.*

НАРЁҚ 1 Нариги ёқ, нариги томон. -*Бувимлар келишдими? Ҳаёт калласи билан "ҳа" ишорасини қилди-ю, нарёққа ўгирилиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ариқ нарёғидан бошланган полизда қатор-қатор тизилишган карамлар ой нурида кумушдек товланар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Давоми, кейини; бошқа жиҳати. *Бизнинг вазифамиз — маълум қилиш, нарёғини ўзлари текширишади..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

НАРЗАН [Кисловодск (Россия Федерацияси)даги булоқ номи] Карбонат ангидридсулфатли шифобахш минерал сув. *Билмадик, Ҳайдаров шундан буён Пискентнинг сувини ичаяптими, йўқми ёки ташналигини нарзан, пиво, қимиз дегандай бошқа ичимликлар билан қондириб юрибдими?* Газетадан.

НАРИ *рвш.* **1** Сўзловчидан ёки сўз бораётган пайт ё ўриндан узоқ, олис. *Нари тур. Ҳеч қиси йўқ, бир кун нари, бир кун бери. Вокзалдан нари. Тошкентдан нари.* ▬ *Анварни ўзлари турган маҳалладан бир гузар нари бўлган Солиҳ махдумнинг мактабига берди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *[Қизлар] Энди "нари ёт, бери ёт" билан бир-бирларини итариб, суриб, кўрпани тўрт томонга тортишиб, жанжаллаша бошладилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *(ч. к. билан) кўм. взф.* Кейин; ўтгач. *Мактабдан нарими, берими?*

Кўздан нари Одам ёки одамлар назаридан йироқ; холи, панада. *Кўздан нари — кўнгилдан нари.* Мақол. **Нари борса** *ёки* **нариси билан** Ортиғи билан, кўпи билан, жуда бўлса. *Нариси билан, ўн кунлик иш.* ▬ *У [хотин] истараси иссиққина, нари борса, йигирма беш ёшларда.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Нари олиб бориб**, **бери олиб келмоқ** Роса қийнамоқ, қийнаб ўласи қилмоқ. *Овқат ҳазм бўлмай, мени нари олиб бориб, бери олиб келди.* **Нари турсин** У ёқда турсин, тугул. *Бизда милтиқ нари турсин, бир косов ҳам йўқлигини ўзингиз яхши биласиз.* С. Айний, Қуллар. **Ундан нари(га)** Ажаб бўлибди; ҳеч қиси йўқ. *Келса келар, келмаса ундан нари(га).* **Хаёлидан (***ёки* **кўз олдидан) нари кетмаслик** Унута олмаслик, кўз олдида доим намоён бўлмоқ. *Остонада ўша қиз, шунча кундан буён унинг хаёлидан нари кетмай қолган ўша қизнинг ўзгинаси турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Уйда ёлғиз ўтирганида ҳам, ишда ҳам Гулхайрининг назокатли боқишлари, ҳароратли лаблари кўз олдидан нари кетмай, юрагига ўт туташади.* С. Нуров, Нарвон.

НАРИ-БЕРИ *рвш.* **1** У ёқ-бу ёққа, турли томонга. *Нарсаларни нари-бери сурмоқ.* ▬ *Сафаров тугаган папироснинг чўғидан иккинчисини тутатиб олиб, нари-бери юрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *айн.* **наридан-бери.** -*Уйга келгач, электр чойнакда чой қўйиб, нари-бери овқатландикда, "Қани, жўра, ҳикоянгни бошла", дедим, — деди Шокиржон.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

Нари-бери бўлмоқ Айтишиб қолмоқ, орадан гап ўтиб, тескарилашиб қолмоқ. *Умарбек билан бир оз нари-бери бўлиб қолган эдик, ҳайтовур, тағин орани очиб юбордик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАРИГИ Сўзловчидан ёки сўз бораётган пайт ё ўриндан наридаги; узоқдаги, олисдаги; бошқа. *Нариги уй. Нариги ҳафтада бораман. Ариқнинг нариги томонига ўтмоқ.* ▬ *Кейин чуқурнинг нариги бетида, эски қоп тагида ётган бир қанча темир понани олиб чиқиб кўрсатди Қудрат.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Айвоннинг нариги ёнидаги дарича орқали уйга кирилур эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАРИДАН-БЕРИ *рвш.* **1** Шоша-пиша; енгил-елпи. *[Уста] Бир пиёла чойни наридан-бери ичди-да, ўрнидан турди.* О. Ёқубов, Ларза. *У [Сидиқжон] юраги ғаш бўлди-да, отхонадан отни олиб чиқди, наридан-бери эгарладида.. онасининг кетидан от қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Чалакам-чатти, чала-чулпа, "мендан кетгунча, эгасига етгунча" зайлида. *Ҳар қандай масалани ўзбошимчалик билан наридан-бери ҳал қилишга тиришадиган Тожибой бу сафар бирор кимсанинг маслаҳатига, қуллабқувватлашига муҳтож бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАРИЁҚ *айн.* **нарёқ**. *У [Аҳмаджон] ярим хароба уйнинг муюлишидан чиқиб, катта кўчага қараган эди, нариёқдан югуриб келаётган ёшгина бир қизил аскарни кўриб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

НАРИЛАМОҚ Нари кетмоқ, узоқлашмоқ. *Ҳамма секин бош кўтариб, у ёқ-бу ёққа қаради. Дарҳақиқат, чанг-тўзон анча нарилаб, Карка томонга кетарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

НАРКО- [*юн.* narkotikos – донг қотирувчи, гангитувчи, мияни айнитувчи] Ўзлашма байналмилал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «наркотиклар», «наркозга оид» маъноларини ифодалайди (мас., *наркология, наркомания*).

НАРКОБИЗНЕС [нарко.. + бизнес] Уюшган жиноятчи гуруҳ ва тўдаларнинг наркотиклар (гиёҳванд моддалар) ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ фаолияти. *Мамлакатларимиз террорчилик, экстремизм, наркобизнес.. каби таҳдидларга қарши кураш борасида ҳам ҳамфикрдир.* Газетадан. *Афсуски, биз дунёга осойишталик истаймиз, дея ҳайқираётган жаноблар наркобизнес вабосига негадир жиддийроқ қарашмаяпти.* Газетадан.

НАРКОЗ [*юн.* narkosis – гапиролмай қотиб қолиш, донг қотиб, серрайиб қолиш] **1** Наркотик модда. *Даврон бир неча марта наркоз таъсирида бўлди, икки марта операция қилишди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Наркотик моддалар ёки электр токи таъсирида пайдо қилинадиган, тўлиқ ёки қисман беҳушлик, оғриқ сезгисининг йўқолиши билан кечадиган чуқур уйқу ҳолати. *[Наркотик моддаларни] Венага юбориб пайдо қилинадиган наркозда, асосан, уйқу дорилари.. ишлатилади.* «ЎзМЭ».

НАРКОЗЛАМОҚ Оғриқсизлантирмоқ; наркотик модда бериб беҳуш ёки оғриқ сезмайдиган қилмоқ.

НАРКОЛОГ Наркология мутахассиси; гиёҳвандларни даволовчи врач.

НАРКОЛОГИЯ [нарко.. + *юн.* logos – фан, таълимот] Психиатриянинг сурункали алкоголизм, наркомания ва ш.к. нинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганувчи ҳамда унинг олдини олиш, даволаш усулларини ишлаб чиқувчи бўлими. *Наркология диспансери.* ▬ *Москвадаги наркология шифохонасида ярим тунда тўсатдан ёнғин чиқди.* Газетадан.

НАРКОМАН Гиёҳвандлик билан касалланган шахс. *қ.* **гиёҳванд.**

НАРКОМАНИЯ [нарко.. + *юн.* mania – жиннилик; қаттиқ берилганлик, қизиқиш, интилиш] Наркотик моддаларга ўрганиб қолиб, уларни истеъмол қилмасдан туролмаслик; гиёҳвандлик, бангилик.

НАРКОТИК *сфт.* Беҳуш қиладиган, ухлатадиган ёки вақтинча оғриқни сездирмайдиган. *Наркотик моддалар.* ▬ *Қорадори анча кучли наркотик модда бўлиб, организмга зарарли таъсир ўтказади.* Газетадан.

НАРКОТИКЛАР [*юн.* narkotikos – гангитувчи, мияни айнитувчи] **1** Гиёҳвандлик, наркоманияга сабаб бўлувчи табиий ва сунъий моддалар.

2 Беҳуш қиладиган ёки вақтинча оғриқни сездирмайдиган дори модда (мас., морфий, афюн ва б.). *Сабаби – бу ерда таркибида наркотик бўлган экинлар ўсиши учун иқлим шароити қулай.* Газетадан.

НАРРА [*ф.* نرّه – эркак; эркак жинсига мансуб] Эркак жинсидаги ҳайвон. *Тўйни қилур танти элим – нарра шер, Дашту дала топди сафо, яли-яли.* Миртемир, Танланган асарлар.

НАРРАКИ *шв.* Касалга йўлиқиб ўсган сабзавот ёки насли бузилган ўсимлик. *Нарраки сабзи. Нарраки новда (ҳосил бермайдиган новда).*

НАРСА 1 Ҳар қандай моддий мавжудот; предмет. *Йўлдошнинг кўзи комиссарнинг тўшидаги тангадек қора нарсага тушди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Хотиннинг бериб кетган нарсаси уч-тўрт букланган бир қоғоз эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳаёт, тирикчилик учун зарур ҳар қандай ашё, буюм, маҳсулот. *Ош – яхши нарса.* ▬ *Мана сизда нарса бор экан, сотибсиз, бизда бир парча ердан бошқа кўзга илинарли ҳеч нарса йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чарос коридорда тескари қараб турар, қўлида газетага ўралган патнисга ўхшаш нарса бор эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Умуман, ҳар қандай ҳодиса (гап, сўз, ўйин, кулги, иш, воқеа, ҳодиса ва ш. к.). *Барот полвон дунёда икки нарсани яхши кўрар эди. Биринчиси – кураш, иккинчиси – ашула.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бегимхон хатни қайта-қайта ўқиди. Гўё хатда ҳамма нарса ёзилган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *с. т.* Одам ва умуман жонли мавжудот ёки уларнинг сифатини билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, уларнинг шу сўзлар ифодалаган тоифага мансублигини ифодалайди.

Сен ёш нарса, қолавер, мен кетай, эртага азон билан колхозга чиқиб кетаман. Ойдин, Фонарь тагида. *Ўрис амалдорга тегажаклик қилишни унга ким қўйибди? Камбағал нарса чориғини судраб, тинч юрса бўлмасмиди?!* Ойбек, Танланган асарлар.

Бир нарса Нимадир, аниқ бўлмаган. *Кумушбиби хомуш эди. Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғи кучлимиди, ҳар ҳолда, намозшомгул каби ёпиқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир нарса бўлдими**? Нима қилди? нима бўлди? *Сизга бир нарса бўлдими?* **Ҳеч нарса эмас** 1) арзирли нарса эмас. *Унга қараганда бу ҳеч нарса эмас;* 2) қийин эмас, осон. *Бу менга ҳеч нарса эмас.*

НАРХ [*ф.* نرخ – баҳо, қиймат] Нарсанинг, буюмнинг пул билан ўлчанадиган қиймати; баҳо. *Ибодилла катта-кичик тароқларнинг нархларини бирма-бир айтди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. [*Махдум болага:*] *Йигирма дона нон керак экан. Нархи қанчадан? деб дарров сўраб кел!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Нарх қўймоқ (*ёки* **қилмоқ**) Нархини белгиламоқ, баҳо қўймоқ, баҳоламоқ. *Бу молга беш сўм нарх қўйилди.* ▬ *«Холислар» ҳар бир ботмон жўхорини 10 танга нарх қилдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

НАРХ-НАВО [нарх + *ф.* نوا – яшаш воситалари; фаровонлик, бойлик; гаров] Нарх, баҳо; нархлар, баҳолар. *Бозорда нарх-наво кўтарилиб, харидору сотувчининг тортишувлари авжга минган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Савдо ходими – дунёнинг қай бурчида нималар бўляпти, нарх-наво қалай – ҳаммасидан хабардор, турли хил одамлар билан муомала қила оладиган илмли ва дипломат одам.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

НАРЯД [*р.* нарядить – «топшириқ бермоқ; махсус ишга юбормоқ; тайинламоқ» фл. дан қўшимчасиз ҳосил қилинган от] **1** Бирор ишни бажариш учун бериладиган ёзма ёки оғзаки фармойиш ёки буйруқ. *Наряд ёзиб бермоқ. Нарядга мувофиқ ҳақ тўламоқ.*

2 Бирор нарса олиш ёки топшириш учун ёзиб берилган ҳужжат. *Складдан наряд билан мол олмоқ.* ▬ *Полвон отам билан икковимиз колхоз дўконига наряди йўқ уч машина қовун оширган эмишмиз, туҳмат.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 *ҳарб.* Ҳарбий хизматчилар бажарадиган ёки бажараётган топшириқ, вазифа. *Нарядда турмоқ.* ▬ *Интизомсиз жангчига, интизомни бузгани учун, навбатдан ташқари икки наряд бериш керак бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *-Наряддагилардан бошқаларга дам берилсин, – деди Юрьев, тепалик гарнизонини айланиб чиққандан кейин.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *ҳарб.* Махсус хизмат вазифаларини бажарувчи ёки бажараётган ҳарбий хизматчилар гуруҳи. *Соқчилар наряди.* ▬ *Паровоз тумшуғига иккита пулемёт ўрнатиб, саккиз кишилик наряд юборилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

НАС *с. т.* Наҳс.

НАСАБ [*а.* نسب –қон-қариндошлик; алоқа, муносабат] Келиб чиқиш, насл-насаб; бир ота-боболан тарқалган авлод. *-Бу насаби пастга итоатни қачон ўқитасиз? – ўшқирди у.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Иброҳим ота ҳикояни бошлашга мажбур бўлди: -Асл насабимиз – эронлик ўзбек..* Ж. Шарипов, Хоразм.

НАСИБ [*а.* نصيب – улуш, қисм; тақдир, қисмат, толе] Кишига тақдирда буюрилган ҳисса, улуш; тақдир.

Насиб бўлмоқ *(ёки* **қилмоқ, этмоқ**) Тақдиран буюрилган ҳиссага муяссар бўлмоқ. *Бу ер – арш-аъло. Унча-мунчага насиб бўлмайдиган жой.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳай, мен нега уни бевақт уйғотаяпман, ким билсин, бу хил уйқу кенжамга яна қачон насиб қилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳожи Маккаю Мадина тўғрисида гапирганда, эшон: -Насиб бўлса, биз ҳам борамиз, – деб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАСИБА [*а.* نصيبه – улуш, қисм; тақдир; омад, иқбол] **1** Кишининг тақдиран буюрилган ўз ҳиссаси, улуши. *Ишимдан хурсандман. Энди битта-яримта насибаси қўшилган хотин чиқиб қолса, уйлансам, деган ўйим ҳам йўқ эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Юртим, сенда экан насибам тугал, Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Умуман, ҳисса, улуш; ризқ. *Бу – сенинг насибанг.* ▬ *Йўлчи бир сўмга ўзи нон-чой ичдида, оч қорнини бир қадар овутди, қолганини “Унсиннинг насибаси”, деб белбоққа тугди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Насиба (хотин-қизлар исми).

НАСИБАЛИ Насибаси улуғ, ризқи баланд; бахтли.

НАСИБАСИЗ Насибаси, толеи паст; бахтсиз. *Насибасиз қилмоқ. Насибасиз қолмоқ.*

НАСИМ [*а.* نسيم – майин шабада, сабо] *кт.* **1** Енгил, ёқимли шамол; шабада, сабо. *Ариқ бўйлари, толзорлар оралаб учган шабадалар, Самарқанд насимидай, қайноқ танларга қанот уриб, эркалаб, ором бериб ўтади.* Мирмуҳсин, Умид. *Колонналар тўлиб-тошади, байроқлар баҳор насими билан ўйнашади.* Миртемир. Танланган асарлар.

2 Насим (эркаклар исми).

НАСИЯ [*а.* نسيئه – муҳлатни чўзиш, кечиктириш; қарз, кредит] **1** Нақд пулсиз, пулини кейин тўлаш шарти билан бўлган ёки бўладиган савдо муомаласи; кредит. *Молни насияга олмоқ. Насияга сотмоқ.* ▬ *[Мирзакаримбой:] ..нақд пулга мол чаққон бўлган замонда сиз анча молни насияга сотибсиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жаҳон ота аллакимнинг боқиб қўйган қўзисини насияга олиб келди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

2 Шундай савдо муомаласига мувофиқ тўланадиган пул, қарз. *Энди гап шу: оёқни қаттиқ тиранг. Қозоқлардан насияни тезроқ ундиринг, дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма с. т.* Дарҳол бажарилмайдиган, қилинмайдиган, берилмайдиган. *Бу ваъдаларингиз ҳаммаси насия.* ▬ *Кириб тарвузни қўлига бераман-у, салом-аликни насия қилиб, қуён бўламан.* С. Аҳмад, Сайланма.

Насия савдо Амалга ошмайдиган иш; пуч, хом гап. *[Мирзакарим Мастурага:] Кел, насия савдони қўй, нақддан гапиравер!* Ҳамза, Танланган асарлар. **Хайр-маъзурни насия қилмоқ** *қ.* **хайр-маъзур**.

НАСИҲАТ [*а.* نصيحت – самимий маслаҳат, ўгит; хайрихоҳлик, самимийлик] Яхши йўлга солиш, таълим бериш мақсадида айтилган гап; маслаҳат, панд, ўгит. *Оталар насиҳати. Насиҳат қилмоқ. Насиҳат бермоқ.* ▬ *Тузалар, деб насиҳатимизни аямадик, вақти келганда, дўстона танқид қилдик.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўзингдан бир кўйлак ортиқ йиртган кишининг сўзига қулоқ солсанг, унинг насиҳатларини тингласанг, албатта, одам бўласан.* С. Айний, Қуллар.

НАСИҲАТГЎЙ [насиҳат + *ф.* گوى – айтувчи] Насиҳат берувчи, насиҳат қилувчи. *Насиҳатгўй одам.* ▬ *Элмурод ҳамма вақт мулойим ва насиҳатгўй бу аёлнинг бу қадар ҳаяжонга тушганини ҳеч қачон кўрмаган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАСИҲАТГЎЙЛИК 1 Насиҳат бериш хусусиятига эгалик.

2 Насиҳат бериш, панд, ўгит-насиҳат қилиш; ўгит-насиҳат. *Оқсоқол.. ора-сира чой ҳўплаб ўтириб, насиҳатгўйликка ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Онам одатдагидай насиҳатгўйлигини бошламоқчи эди, папкамни ола, кўчага чопдим.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

НАСИҲАТОМУЗ [насиҳат + *ф.* آميز – ўхшаш] Насиҳат йўсинидаги, насиҳат тарзидаги; панд-насиҳатга ўхшаган. *Насиҳатомуз гап.* ▬ *Тожиев осойишта, насиҳатомуз сўзлай бошлади: -Ҳурматли раисимиз бизга ҳосилни йиғиб олиш ҳамда қурилишни сусайтирмаслик ҳақида тўғри ва батафсил гапириб бердилар.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

НАСИҲАТЧИ *айн.* **насиҳатгўй.** *Иш битгач, насиҳатчи кўпаяр.* Мақол.

НАСЛ [*а.* نسل – авлод, уруғ; бола-чақа; туғилган бола (ҳайвонларда)] **1** Бир авлод-аждодга мансуб кишилар уруғи, уларнинг келиб чиқиши, зоти, насаби, таги-тахти. *Наслини суриштирмоқ. Наслдан наслга ўтмоқ. Қазисан-қартасан, асли наслингга тортасан.* Мақол. ▬ *Ал-Беруний, Ал-Хоразмий Ал-Фороб авлодидан, Асли насли балки ўзлуқ, Балки тархон, ўзбегим.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Келажак авлод, зурриёт. *Нимани мерос қилиб қолдирайин наслимга.* С. Акбарий, Меҳригиё. *Баҳодир насли ҳам бўлгай баҳодир. На мушкул бўлса, ҳал қилмоққа қодир.* Ҳабибий.

3 *биол.* Маълум белги-хусусиятларга эга, бир турга мансуб ўсимликлар, бир зотга мансуб ҳайвонлар гуруҳи; уруғ, зот. *Ҳайвонларни дурагайлаб, янги насл олиш.* ▬ *Биз от наслини тузатишда ҳам ҳали бир иш қилмадик.* А. Қодирий, Обид кетмон.

НАСЛАН *рвш.* Насл эътибори билан, насл жиҳатидан. *Бу йигит биздан наслан анча юқори туради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАСЛДОР 1 Насли яхши; зотли, зотдор. *Наслдор моллар.*

2 Таг-тахтли, зодагон. *Тўғонбек шаҳзода хизматида бўлган наслдор, обрўли бекларни, мулозимларни четлатиб, тун-кун шаҳзодага чегарасиз ҳокимиятга интилган қув, муғам-*

бир руҳининг эҳтиросларини талқин этади. Ойбек, Навоий.

НАСЛДОШ Насли, зоти бир, бир уруғдан тарқаган.

НАСЛИЙ Наслга оид, наслдан наслга ўтиб борадиган. *Наслий хусусиятлар. Наслий ўзгаришлар.*

НАСЛЛИ *айн.* **наслдор 1.** *Наслли сигирлар.*

НАСЛ-НАСАБ *айн.* **насл 1.** *Насл-насабини суриштирмоқ.* ▬ *Мутавалли: -Баҳоваддинлик хўжалар насл-насабдан биз билан қандай баравар бўла оладилар.. — дебди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Насл-насаби номаълум, ота-онасининг ҳам тайини йўқ Қораилонни бир кимса ҳам эсламади, унинг изсиз йўқолганидан фуқаро эмас, ҳукмдорларнинг ўзлари ҳам хурсанд бўлдилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

НАСЛСИЗ Насл қолдирмайдиган, пушти йўқ. *Хачирлар наслсиз бўлади.*

НАСЛЧИЛИК *қ. х.* Ҳайвонлар ва паррандалар наслини, зотини яхшилаш, такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-зоотехник тадбирлар мажмуи. *Молларни яхши парвариш қилиш билан бир қаторда наслчилик ишларини тўғри уюштириш ҳам қорамоллар маҳсулдорлигини янада кўпайтиришнинг катта резервидир.* Газетадан.

НАСОРО [*а.* نصارى – «насроний» с. кўпл.] Христиан динига мансуб киши, кишилар; христианлар, насронийлар.

НАСОС [*р.* насосать – «тортмоқ, сўрмоқ, тортиб (сўриб) олмоқ» фл. дан қўшимчасиз ҳосил қилинган от] Суюқлик ёки газни тортиб чиқариш ёки юбориш учун қўлланадиган асбоб, машина. *Велосипед насоси. Ҳаво насоси. Насос билан сув чиқармоқ.* ▬ *-Биламан, нефть насосларини биламан, — деди шошилиб Ҳусейн.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Насос станцияси Суюқликни баландликка чиқариб бериш ёки уни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтказиш учун қурилган махсус иншоот.

НАСР I [*а.* نثر – сочиб, тўкиб ташлаш; проза] *ад.* Прозаик асар; вазн ва қофияга эга бўлмаган ёзма нутқ маҳсули; *зид.* **назм.** *Назмга сиғдиролмаганини насрда берибди. Қаерни кўрсатган бўлсам, барини ёзибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

НАСР II Шашмақом таркибидаги мақомларнинг ашула бўлими.

НАСРИЙ [*а.* نثرى – наср билан ёзилган] Проза жанрига мансуб, прозада ёзилган, прозаик. *Сизнинг насрий асарларингиз, ҳикояларингизда фикр ёрқин, тил ўткир ва гўзал сатирик чизиқлар бордир.* Ойбек, Нур қидириб.

НАСРЛАШТИРМОҚ Назмий йўл билан ёзилган асарни наср (проза) йўли билан бермоқ. *«Фарҳод ва Ширин» достонини насрлаштираётганида, Ғафур Ғулом яхши қўлёзмаларга суянган, шу асосда тўғри фикрлаб, тўғри хулосаларга келган.* «ЎТА».

НАСРОНИЙ [*а.* نصرانى – масиҳий, христиан; христианларга, христианликка оид] **1** *от* Христиан динига мансуб киши; насоро. *Ривоятларга кўра, Исо Масиҳ Носира номли шаҳарда туғилган бўлиб, уни Носирий деб атар эдилар. Унга эргашган кишини эса насроний деб юрита бошлаганлар.* «ЎзМЭ».

2 *сфт.* Христианликка, насронийликка оид, алоқадор. *Руслар Византия орқали насроний динини қабул қилган ва насронийлар маданиятини ўзлаштирган қадимий халқ саналади.* П. Қодиров, Тил ва эл.

НАСРОНИЙЛИК Христианлик, христиан динига мансублик.

НАСТАРИН [*ф.* نسترن – оқ, қизил рангли, хушбўй гули бўлган ўсимлик] Бута ёки дарахт кўринишидаги, гуллари майда тўпгул, хушбўй, оқ, пушти, қизил рангли манзарали ўсимлик; сирень. ▬ *Боғларда настарин гуллаб қолди-ю, Баҳор ҳурмати-чун мен узиб олдим, Кейин ўз чаккамга тақишдан кўра, Бекамга тақдимин ўйлабон қолдим.* Ғ. Ғулом, Қизларга. *Ётоқхона ҳовлисидаги настариннинг хуш бўйлари димоғимга урилди.* «Ёшлик».

НАСТАЪЛИҚ [*а.* نستعليق – араб ёзуви турлари – نسخ (насх) ва تعليق –(таълиқ) номларидан] 14-асрда шаклланган ва 15-асрда Ўрта Осиё ҳудудига ҳам тарқалган араб мумтоз хат турларидан бири (насх ва таълиқ хатлари асосида яратилган). *Ҳофиз Кўйкий бу нодир асарнинг нафис настаълиқ хат билан кўчирилган нусхасини кўриб, шоҳлик теккан гадодек қувониб кетди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

НАСХ [*а.* نسخ – ёзишма; бекор қилиш; хат (ёзув) тури] Хаттотлик услуби, араб ёзувидаги мумтоз хат турларидан бири.

НАТИЖА [*а.* نتيجه – хулоса, якун; оқибат, самара] **1** Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисадан пировардида келиб чиққан оқибат; иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисадан келиб чиққан

кўрсаткич. *Элмурод.. “бўлар иш бўлди, энди тишни тишга қўйиб, натижани кутиш керак”, деб ўзини овутди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *с.т.* Фойда, наф; самара. *Тўсатдан бошланган ҳужум яхши натижа бермади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Пўлат отанинг тепасига келиб, уни ғазабга олишди, аврашди – натижа чиқмади.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Фикр, муҳокаманинг мантиқий якуни; хулоса. *Натижа чиқармоқ. Натижага келмоқ.* ▬ *Кўринишдан натижа чиқариб айтганда, бу қизиқ мажлис унинг [Кумуш] учун базм ўрнини эмас, аза жойини тутганди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАТИЖАДА *рвш.* Охир-оқибатда, пировардида. *Об-ҳаво ёмон келиб, натижада олти-етти кунлик иш йигирма кунга чўзилди.*

НАТИЖАЛАМОҚ Натижа чиқармоқ, якун ясамоқ; натижага, хулосага келмоқ. *Гапни натижаламоқ. Текширувни натижаламоқ. Имтиҳонлар анча қувончли якунлар билан натижаланди.* ▬ *Отабекнинг бу синаши ўз фикрининг тўғри бўлиши билан натижаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАТИЖАЛИ Яхши натижа берган ёки берадиган; самарали. *Натижали иш.*

НАТИЖАСИЗ Натижаси йўқ, самарасиз: бенатижа. *Натижасиз уриниш.* ▬ *Отабекнинг ўша вақтдан сўнгги Марғилон қатнашлари фақат натижасиз, қуруққина бир қатнаш эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАТРИЙ [*лот.* natrium < *юн.* nitron – табиий сода] Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон юмшоқ ишқорий металл. *Эркин натрий. Натрий бирикмалари.*

НАТУРА [*лот.* natura – хосса, хусусият; кишининг хулқ-атвори; табиий майл; табиат] **1** Расмга, кинога олиш, сурат чизиш ва ш. к. учун объект бўлган табиий манзара, нарса, одам ва ш. к. *Натурадан суратга олиш. Натура танлаш.* ▬ *Бошдан-оёқ натурада суратга олинган жуда кўп фильмларни мисол қилиб кўрсатса бўлади.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

2 *иқт.* Пул ўрнига тўланадиган мол, маҳсулот. *Натура билан ҳақ тўлаш.* ▬ *Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, улар меҳнатини натура ва пул билан рағбатлантириш системаси такомиллаштирилди.* Газетадан.

НАТУРАЛ [*лот.* naturalis – табиий, туғма; асл] **1** Натура (мол, маҳсулот) билан олинадиган, бериладиган, тўланадиган. *Натурал даромад. Натурал солиқ.*

2 Табиий ҳолатдаги; табиий, асл, ўз. *Жисмнинг натурал катталикдаги сурати.*

Натурал сонлар Оддий ҳисоблашда қўлланадиган бутун мусбат сонлар. **Натурал хўжалик** Бозорга чиқариб сотиш учун эмас, балки ўз аъзоларининг эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган хўжалик.

НАТУРАЛИЗАЦИЯ [*фр.* naturalisation < *лот.* naturalis – ҳақиқий, қонуний] Чет эллик шахснинг маълум давлат фуқаролигига қабул қилиниши; чет элликнинг шундай ҳуқуққа эга бўлиши.

НАТУРАЛИЗМ [*фр.* naturalisme < *лот.* natura] 19-асрнинг 60-йилларида Франция, 19-асрнинг сўнгги чорагида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида пайдо бўлган ва реал борлиқни объектив (ўз ҳолича), аниқ ва ҳиссиз акс эттиришга интилган оқим ва ижодий метод. *Адабиётда натурализм инсон характерини илмий (экспериментал) ўрганишни мақсад қилиб қўйди.* «ЎзМЭ».

НАТУРАЛИСТ 1 Табиатни ўрганиш билан шуғулланувчи олим, табиатшунос.

2 Натурализм тарафдори.

НАТУРАЛИСТИК Натурализмга оид. *Натуралистик йўналиш.*

НАТЮРМОРТ [*фр.* nature morte – ўлик табиат] Тасвирий санъат жанри; портрет, пейзаж ва ш.к. мавзулардан фарқли равишда жонсиз предметларни тасвирлаш. *Аксарият рассомлар натюрмортни рангларни бойитиш учун яратишади.* Газетадан.

НАУШНИК [*р.* наушник – қулоқчин; қулоққа тутиладиган мослама] Рация ёки телефон орқали берилаётган хабарни қулоққа тақиб эшитадиган мослама; гўшак. *Майор рация орқали ўзи команда бериб, самолётларни қўндиришга аҳд қилди-да, Русановдан наушникни олиб қулоқ солди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

НАФ [*а.* نفع – фойда, манфаат; яхшилик; бойлик] Бирор иш ёки нарсадан олинган ижобий натижа, таъсир; фойда. *Янги машиналар пахтачиликда жуда катта наф келтирмоқда. Наф қилмоқ. Дори ҳеч наф қилмади.* ▬ *-Сенинг бир ҳафта ортиқ ишлаганинг ёки ишламаганингдан менга нима*

нафу нима зарар? – деди бой аччиғи келган ҳолда. С. Айний, Қуллар.

НАФАР [*а.* نفر – бир неча киши; бир киши] *нумератив с. (фақат шахс-киши билдирувчи сўз билан)* Адад. *Ёнига тўрт нафар ясовул олиб, Султонали йўлга тушди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Амалдор маҳрам Ёдгорни зиндондан чиқарди, зиндонбон унга тўрт нафар қуролли сарбозни соқчи қилиб берди.* С. Айний, Дохунда.

НАФАРМОН [*ф.* نفرمان] Оч бинафша, қизғиш бинафша рангли. *Олма гули нафармон, Корхонага чопарман.* «Қўшиқлар». *Фил суягидан ясалган бежиримгина қутичанинг тагида кўк, қизил, нафармон ва яна аллақандай нозик рангларда жилоланган йирик бир жавоҳир ётарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

НАФАС [*а.* نفس – ўпкага олинадиган ва чиқариладиган ҳаво] **1** Узлуксиз биологик жараён, яъни ўпкага олинадиган ва ундан чиқариладиган ҳаво; дам, тин. *Сўнгги нафас. Оғир нафас олмоқ.* ▬ *Яна юрак ўйнаб, нафас бўғизга тиқилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Жуда жабр қилади, – деди Сиддиқжон чуқур олган нафасини гап билан бўшатиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Совуқ шамолда шовуллаб турган қамишзор манзараси очилиши билан Ботирали муздек ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди-да, тўқайга кириб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Нафас йўллари Одам ва ҳайвонларда ҳаво ўтказадиган аъзолар. **Нафас чиқармаслик** *ёки* **нафасини ўчирмоқ** Жим ўтирмоқ, гапирмай ўтириш. *Шу ҳужрага қамалларинг. Кундузи нафас чиқармайсанлар.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Нафасингни ўчир! ..Туф, туф! – деди Бувинисо кўксига туфлаб.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Нафаси ичига тушиб кетмоқ** *айн.* **дами ичига тушиб кетмоқ** *қ.* **дам 1.** *Ораларингизда анчагина гап ўтган экан. Шунинг учун ҳам сиз у ерга кириб боришингиз билан нафаслари ичларига тушиб кетган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Нафаси узилди** Ўлди. *Эшон Шайхулло дуо ўқир, бемор кампирнинг нафаси узилмай, уйига етиб олишини худодан тиларди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. **Нафасини ростламоқ** *қ.* **ростламоқ 2.**

2 *кўчма с. т.* Бўлажак иш ҳақида оғиздан чиққан гап, изҳор қилинган ният. *Ёмон нафас.* ▬ *[Хадича Дадавойга:] Нафасингизни совуқ қилманг!* Уйғун, Навбаҳор. *Нафасингизни иссиқ қилинг.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

Нафасинг ўзингга урсин Ёмон ният қилган, совуқ хабар келтирган кишига нисбатан айтиладиган ибора.

3 Жуда қисқа вақт; лаҳза, он. *Бир нафасда. Бир нафасга. Нафас ўтмай.* ▬ *Булутли, хомуш оқшом зулмати нафас сайин қуюқлашиб, баҳайбат қоп-қора қанотларини уфқлар устига тез ёйиб келмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мана, Меҳринисо опа биладилар, онам мени бир нафас олдидан қўзғатгиси келмайди.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

4 *этн.* Дуохон, азайимхон ва ш. к. солган дам кучи. *Уйимизда бир бечора бемор бор, шайтонлаб ётибди, тақсир, бориб дам солиб келинг, шояд нафасингиздан шифо топса.* Ойбек, Танланган асралар.

Ўткир нафас(ли) Кучли дуохонга нисбатан айтилади. *Бундан уч ой илгари, Нурини ўткир нафасли домлага олиб борган кун, ташқари ҳовлида қорда чўққайиб идиш ювган бу қизга унинг кўзи тасодифан тушган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Ҳид, ис. *Қиши билан тор уйларда диққинафас бўлган кишиларнинг димоғига адирлардан гиёҳларнинг хушбўй нафаси келиб урилади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

6 Ҳарорат, об-ҳаво. *Яқинлашиб келаётган қишнинг нафаси теварак-атрофда кезиб юрибди.* Газетадан.

НАФАСДОШ *кам қўлл. айн.* **ҳамнафас.**

НАФАСЛИК: **бир нафаслик** Жуда оз вақт давом этадиган, бир лаҳзали. *Бир нафаслик сукунат.* ▬ *Бир нафаслик зилзиладан кечаги шаҳарлар бугун саҳрога айланади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

НАФАСҚИСМА *айн.* **астма, зиқнафас.** *Аммамнинг нафасқисма касали бор эди.* «Ёшлик».

НАФАҚА [*а.* نفقة – харажат; алимент] **1** Муҳтож одамларга ёрдам сифатида бериладиган пул; ёрдам пули.

2 Ўзидан бўлак турадиган хотин ёки эрга (етим, балоғатга етмаган болалари учун) ёки меҳнатга яроқсиз ота-онага қонунчилик асосида тўлаб туриладиган таъминот пули; алимент. *Нафақа бермоқ. Нафақа тўламоқ.* ▬ *Мен шундоқ гумон қиламанки, ё*

болани ташлаб кетгани келган, ё нафақа сўрагани. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *эск. айн.* **стипендия**.

НАФАҚАТ *юкл.* Таъкид маъносини кучайтиради; ..дан ташқари, ..гина эмас каби маънони билдиради. *Бу ҳақда у нафақат мамлакат, жаҳон археологлари эътиборини жалб этган китоб яратди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Нон нафақат моддий бойлик, балки у маънавий бойлик ҳамдир.* Газетадан.

НАФАҚАХЎР [нафақа + *ф.* خور – еювчи] Нафақа олувчи, нафақа билан таъминланган шахс. *Жума куни маҳалла оқсоқоли ва маҳалладаги бир қанча нафақахўрлар узун-қисқа бўлиб кириб келишди.* Газетадан.

НАФИС I [*а.* نفيس – қимматбаҳо] **1** Гўзал ва нозик, латиф. *Нафис газлама.* ▬ *Шамол нафис япроқларни узади, ҳавода, эркинликда бирпасгина улар билан ўйнашиб, эркалаб, сўнг ерга ташлайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Унинг [Кумушнинг] нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб, ажиб бир манзара бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нозик ва ёқимли. *Икковининг кўзларида эҳтирос чақмоқ чақар, улардан гўё баҳор гулларининг нафис ҳиди анқирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Бадиий жиҳатдан жуда юксак, гўзал ва нозик. *Нафис иш.* ▬ *Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тузсиз сўзлар йиғиндисидан бошқа бир нарса ҳам эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *эск. айн.* **бадиий**. *Ўртоқ Бақоев ўйлаб туриб сўради: -Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради?* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

НАФИС II Олманинг эрта ҳосилга кирадиган қишки нави.

НАФИСА [*а.* نفيسه] **1**: **санойи нафиса** *қ.* **санойи**. *Лекин кўкариб кела бошлаған ўзбек санойи нафисасининг тегига қайноқ сув тўкилди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Нафиса (хотин-қизлар исми).

НАФИСЛАМОҚ Безамоқ, чиройли тус бермоқ. *Улар [безакчилар] тоннель йўли деворларини ҳар хил шаклдаги гуллар билан нафислайдилар.* Газетадан.

НАФИСЛИК 1 Нафис, нозик хусусиятга эгалик.

2 *айн.* **нафосат.**

НАФЛ [*а.* نفل – зарур бўлганидан ортиқ, қўшимча намоз] Намоз тури. *У кишининг кўп вақтлари тасбеҳ ўгириш, нафл намозларини ўқиш билан ўтар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

НАФЛИЛИК *иқт.* Товарлар ва хизматларнинг ўз хусусиятларига кўра эҳтиёжларни қондириш хоссаси ёки уларни истеъмол қилишдан ҳар бир шахс оладиган муайян қониқиш. *Ҳар қандай неъматларнинг нафлилик даражаси унинг табиий хоссалари ва сифатига боғлиқ.* Газетадан.

НАФОСАТ [*а.* نفاست – аҳамият; қимматбаҳо нарса, бойлик] *кт.* Нарса ва ҳодисаларнинг ташқи кўринишидаги алоҳида мукаммалликни, мутаносибликни ифодаловчи белгилар мажмуи; нафислик, гўзаллик, латофат. *Табиатнинг сеҳр ва нафосат тўла манзараси.* ▬ *Замиранинг.. аччиғланганда ҳам нафосатини йўқотмайдиган юзи жазманига янада чиройли кўринди шекилли, йигит ширин илжайди.* П. Қодирий, Уч илдиз.

НАФРАТ [*а.* نفرت – жирканиш; ёқтирмаслик] Бирон-бир шахсга ёки шахсларга, амалий фаолиятга нисбатан қаттиқ ғазаб ва жирканиш туйғуси, ғазаб аралаш жирканиш. *Нафрат қилмоқ.* ▬ *Полвонларнинг бирига муҳаббат, иккинчисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё кураши акс этгандек эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Унсин Мирзакаримбой уйидан нафрат қилгани учун, бир маҳаллада бўлишига қарамай.. сийрак қатнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАФРАТЛАНМОҚ Бирон-бир шахсдан, унинг қилган ишларидан ғазаб аралаш жирканмоқ, нафрат қилмоқ. *Шербек йигитнинг юзсизлигидан нафратланди.* С. Анорбоев, Оқсой. *У ерда, одамлар орасида Ҳаётнинг отаси Мадаминхўжа ҳам бу бедодликдан нафратланиб, Ғуломжонга жавдираб қараб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАФРАТЛИ Нафрат билан тўлиб-тошган; жирканч. *Нафратли хатти-ҳаракат.* ▬ *Маҳкамга қисқа ва нафратли назар ташлади-да, шошилмай энгашди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

НАФРАТОМУЗ [нафрат + *ф.* آمیز – ўхшаш] Нафрат ифодаловчи, нафратнамо. *Ниҳоят, ичкаридан Малика чиқди. Эсонга*

нафратомуз қараб олгач, Саломнинг қўлидан ушлади: -Кетса кетавермайдими, нима қиласиз ялиниб?! — деди у. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

НАФС [*а.* نفس — қалб, кўнгил; инсон; мақсад, интилиш; ғурур, мағрурлик] **1** Ейиш-ичишга, мол-дунёга бўлган эҳтирос. *Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга соладир.* Мақол.

Нафс бандаси Нафсидан бошқани ўйламайдиган. *-Нафс бандаси.. Биров ишдан келса, сиз ошдан келасиз, — деди Мели полвон жаҳли чиқиб.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Нафси бузуқ** *(ёки* **ёмон**) Овқатдан сира қайтмайдиган, нафсини тия олмайдиган; ҳирсли. *Нафси бузуқ ҳайитда ўлар.* Мақол. **Нафси ўлик** *(ёки* **тийиқ**) Нафсини тия оладиган, ҳар нарсага суқ билан қарайвермайдиган. **Нафсига ўт тушмоқ** Нафси ҳаддан ташқари авж олмоқ; нафси ҳакалак отмоқ. **Нафсини тиймоқ** Нафсига эрк бермаслик, ўзини сақламоқ. *Кўзинг оғриса, қўлингни тий, ичинг оғриса, нафсингни тий.* Мақол.

2 Шаҳвоний ҳирс. [*Фотима ўз-ўзига:*] *Бундай ўз нафсларига берилган зотлар бировнинг ҳалол хотинига кўз тикиб, ҳаётда ҳеч бўлмаган ёлғон сўзларни қилиб, ширингина бир турмушни бузмоқчи бўладилар.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси. *Бойваччанинг кўзида ҳар бир хотин унинг нафси, ҳирси учун яратилган чиройли мева эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Нафси олинмоқ (*ёки* **оғримоқ**) Нафсониятига тегмоқ, кўнгли оғримоқ. *Бундан нафси олинган Соли ота жаҳлига чидолмай, олдида дўмбиллаб юрган набирасини уйидан қувди.* А. Қаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *У* [*Ғуломжон*] *нафси оғриган киши товуши билан қулфи дилини очди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАФСАМБИР *с. т.* Нафсиламр. *Бошдан оёқ янгидан иш бошлаган колхоз ёшларининг бу ғайрати, нафсамбирга, ҳайратда қоларли эди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

НАФСИЗ Фойдасиз, бефойда. *Дунё таниш-билиш, гумонлар юкин Кўтариб кексаяр бекор ва нафсиз.* В. Зоҳидов, Ҳаётбахш бадиият тароналари.

НАФСИЛАМР [*а.* فی‌نفس‌الامر — ҳақиқатда] **1** Ҳақиқатга мос; тўғри, рост. *-Бэ-э-э, гўрними, тақсир! — деди Сафар бўзчи, — у гапни қўйинг, нафсиламр гап яхши.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *-Уни қаранг, нафсиламрини айтганда, ота-бобомизнинг замонида ҳам бунақанги пахтани ҳеч ким кўрмаган, — деди Шермат.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 *крш с.* Ҳақиқатда, ҳақиқатан ҳам. *Нафсиламрга, насия жаннатдан кўра бир отим нос афзал!* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *-Нафсиламр, гапингиз жуда тўғри.. — деди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАФСОНИЯТ [*а.* نفسانيّت — худбинлик; ёқтирмаслик, ёмон кўриш] Кишининг ўз назаридаги қадр-қиммати, обрў-эътибори; ғурур; иззат-нафс. *Бўтабой ака, масалага кенгроқ, нафсониятга берилмай, холисроқ қараш керак бўлар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Барот полвон мингбошига ҳайрон бўлиб қараб қолди. Айниқса, иззатини билмаган, деб ўшқириши нафсониятига тегди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАФСПАРАСТ Нафсига берилган, нафснинг қули. *Одамлар орасида савдо ходимларига нисбатан, улар ўз манфаатларини ўйлайдиган, мол-давлат орттиришга ҳирс қўйган нафспараст кишилар, деган гаплар ҳам юради.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

НАФТАЛИН [*юн.* naphtha — нефть < ф. نفت — нефть] Ўткир ҳидли, қаттиқ оқ кристалл модда (техникада ва куядори сифатида қўлланади). *Билдим, аммам сандиқ очяпти.. Кўп ўтмай, нафталин ҳиди анқиб турган кўйлакни ёзиб, ёнимга келди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

НАФТАЛИНЛАМОҚ Нафталин сепмоқ, нафталин билан ишлов бермоқ. *Лобар учун энг азиз нарса битта: бисот, қўш сандиққа тиқиб нафталинлаб қўйилган моллари.* Ҳ. Ғулом. Тошкентликлар.

НАХ *с. т.* Нақ. *-Бу бир ит! — деди уста Фарфи. — Томдаги луқмани ўзи ҳам еёлмайдир, бошқага ҳам едирмайдир, нах итнинг ўзи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Холмат Қодирқулга:] Яхши ҳам келганим, йўқса, зиёфат деб нах жанозангизнинг тепасидан чиқар эканман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

НАХТ Нақ, худди, айнан. *Кўзлари ёмон аблаҳнинг, нахт жодугарнинг кўзлари, Отин! Сиз, у келганда, ташқарига қарашдан эҳтиёт бўлинг!* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАХЎТАК Бир йиллик сертук ўт. *Сапсариқ қоқилар, кўк-қизғиш нахўтаклар орасида узоқдан қип-қизил гиламга ўхшаб кўзга ташланадиган — қийғос очилган лолақиз-*

ғалдоқлар бор эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ [*ингл.* nationalisation < *лот.* natio, nationis – миллат, халқ] Айрим шахс ёки бирлашмаларнинг хусусий мулки бўлган ер, ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт, банк ва б. ларни давлат ёки жамият мулкига айлантириш, давлат ихтиёрига олиш. *Ерни национализация қилиш.*

НАЧОРА *крш. с. взф.* Илож қанча, нима ҳам қила олардик; илож йўқ. *Начора, ҳаёт ниманики тақдим этган бўлса, ўшандан ортиғини қайтиб олмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Начора, бошга тушганни кўз кўрар экан-да, – деди Эргашев.* Н. Сафаров, Оловли излар.

НАША [*а.* نشئه – кайф, маст бўлиш; мастлик; лаззат, ҳузур қилиш] **1** Поясидан тола, уруғидан ёғ олинадиган баланд бўйли техника ўсимлиги. *Заҳарли гиёҳлардан наша ҳам киши организмига ёмон таъсир қилади.* Газетадан.

2 Шу ўсимликнинг барги ва поясидан, ширасидан тайёрланадиган, кайф берадиган наркотик модда. *Кийими исқирт бу девона нашани кўп чекиб, мияси айниганидан, оғзига келган гапни қайтармай алжирар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Наша қилмоқ Қаттиқ таъсир этмоқ, таажжубга солмоқ; айил ботмоқ. *Аширнинг гапи Хўжабековга наша қилди. Хохолаб кулди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Раис ёлғиз қолгач, партқомнинг сўзлари баттар наша қилди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

НАШАВАНД Наша чекишга ўрганиб қолган; банги. *-Шофёрни топдик, ҳозир келади! – деди Камол ака ва ҳазиломуз: -Ҳа, намунча нашасидан айрилган нашаванддай бошингиз осилиб қолди? – деб кулди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

НАШАВАНДЛИК Наша чекишга берилганлик; бангилик; гиёҳвандликнинг бир тури. *Отам қилмаган шўхлик йўқ бўлса керак. Қимор ўйнаган, улоқ чопган, нашавандлик қилган.. дейишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАШАПОЯ 1 Нашанинг пояси.

2 Наша экилган жой, майдон. *Тоғ орасидаги кўз илғамас жойга экилган нашапоя йўқ қилинди.* Газетадан.

НАШАТИР [*р.* нашатырь < *а.* نشادر – аммиак] **1** *ким.* Аммоний хлорид, рангсиз кристалл модда, новшадил (техника ва тиббиётда қўлланади).

Нашатир спирт Аммиакнинг сувдаги ўн фоизли эритмаси. *Малоҳат палаткага кириб келганда, врачлар довулдан қўрқиб, ҳушидан кетган онасига нашатир спирт ҳидлатаётган эдилар.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 *с. т.* Нашатир спирт.

НАШВАТИ Нокнинг сершира, сувли, оч сариқ, қизил ёки сарғиш кўк йирик нави. *Тўғайсари Муртоз узатган нашватини артмаёқ бир тишлади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

НАШИДА [*а.* نشيده – қўшиқ, мадҳия] *поэт.* Қўшиқ; тантанали шеър, мадҳия. *Баҳорнинг кўнгилларни аллаловчи нашидаси.* ▬ *Кеча ғазаб билан юмилган лаблар Бугун куйламоқда эрк нашидасин.* Ғ. Ғулом.

НАШР [*а.* نشر – тарқатиш, тарғибот; чоп этиш, босиб чиқариш] **1** Босма асар чоп қилиш, чиқариш. *Китобни нашрга бермоқ. Нашрга тайёрламоқ. Нашр этмоқ (қилмоқ).*

2 Босма асар. *Фанлар академияси нашри.* ▬ *Демократия шароитида турфа хил нашрларнинг пайдо бўлишини, шубҳасиз, ҳаммамиз табиий ҳол деб биламиз.* Газетадан.

3 Босма асарнинг ҳар бир чиқарилиши ёки тури. *Китобнинг тузатилган ва тўлдирилган нашри. Илмий нашр.* ▬ *Оммавий информацияларнинг калити бўлган телеграф агентликларининг қон томирлари матбуот нашрларининг ҳамма тармоқларига бориб туташади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

НАШРИЁТ [*а.* نشريّات – нашр ва тарғибот ишлари] **1** Босма асарлар тайёрлаш ва нашр этиш ишлари, ноширлик.

2 Шундай ишлар билан шуғулланувчи муассаса. *"Фан" нашриёти. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.*

НАШРИЁТЧИ Нашриёт ходими, нашриётда ишловчи киши.

НАШРИЁТЧИЛИК *айн.* **ноширлик.** *Нашриётчилик кундан кунга қулоч ёймоқда.*

НАШТАР [*ф.* نشتر] *айн.* **ништар.**

НАШЪА [*а.* نشئه – мастлик, кайф қилиш; лаззат, ҳузур (маза) қилиш] *поэт.* Эстетик лаззат, ҳузур, гашт. *Ҳар ишнинг ўзига яраша нашъаси бор.* ▬ *Далаларнинг нашъасин уй ичинг билан сурдинг, Ўз бойлигинг ўзингда, ишрат, сафолар қурдинг.* Ғайратий.

Нашъа қилмоқ 1) лаззат олмоқ, ҳузур қилмоқ, гашт қилмоқ; 2) *айн.* **наша қилмоқ**

қ. **наша**. *Саломнинг гапи борган сари унга кўпроқ нашъа қилар эди.* Ҳ. Аҳмар. Ким ҳақ?

НАШЪАЛИ *поэт.* Роҳат, лаззат, ҳузур бағишловчи, гаштли. *Узоқ вақт жанг оловларида уйқусиз, хатарли кунларни ўтказган бу йигит учун.. сой бўйлари янада нашъали ва оромбахш туюлар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

НАШЪУ НАМО [*а.* نشوونما – юксак ҳузур-ҳаловат] **1** Юқори даражадаги эстетик лаззат, ҳузур, гашт. *Ҳаётнинг нашъу намолари.* ■ *Хоҳласа – каклик ови қиларди. Шундай нашъу намо билан яшарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *эск. кт.* Тараққиёт, ривож, гуллаш. *Ҳаётнинг нашъу намоси адолат нурига боғлиқ.* Ойбек, Навоий.

НАЪЛ [*а.* نعل – тагчарм; енгил оёқ кийими; тақа] *эск. кт. айн.* **нағал.**

НАЪЛАТ *с. т.* Лаънат.

НАЪМА [*а.* نغمه – куй, оҳанг, наво] *айн.* **нағма.** *Чигирткaнинг чириллаши, кеча ҳашаротларининг наъмаси кучли шамол товуши билан кесилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

НАЪМАСОЗ Созанда, мусиқачи. *Ғафур Ғулом чинакам устоз, оташин қалбли наъмасоздир.* М. Шайхзода, Шеъриятимизнинг байроқдори.

НАЪМАТАК [*ф.* نعمتک] **1** Гули хушбўй ва ҳар хил рангли, меваси ширали, шакли ва ранги ҳар хил, ёввойи ҳолда ўсадиган ёки экма усулда ўстириладиган буталар туркуми (Баъзи турлари тиббиёт, парфюмерия ва фармацевтикада ишлатилади). *Йигитали қоронғида тимискаланиб, чапга бурилганда, наъматакнинг тиканли шохлари бехосдан юзига урилди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Шу ўсимликнинг қизил доривор меваси. *Наъматак, қорақанд, зирк, лимон, турп ва бошқа кўп сабзавотларда «С» витамини бўлади.* М. Тўйчиев, Витаминларни унутманг.

НАЪРА [*а.* نعره – пинғиллаб гапириш; бўкириш] Ларзали, ваҳимали қаттиқ овоз. *Бомбардимон кучайгандан кучайиб борди. Унга узоққа отар замбаракларнинг наъраси қўшилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кўкрагидан отилиб чиққан қудратли наъра узоқ-узоқларга таралади.* С. Анорбоев, Оқсой.

Наъра тортмоқ (*ёки* **урмоқ**) Ларзали, қаттиқ товуш чиқармоқ. *Сен кетган сўнг бир озроқ уруш қилдим, Наъра тортиб, мен ҳам майдонда турдим.* «Алпомиш».

НАЪТ [*а.* نعت – таъриф-тавсиф, васф; мақтов] Мумтоз адабиётда: катта ҳажмли шеърий асарлар бош қисмида келадиган, асосан пайғамбарлар шаънига айтилган мақтовдан иборат шеърий парча.

НАЯКИ [*ф.* نیاکی] Най орқали чекиш; най билан тортиб чекиладиган. *Наяки қилмоқ.* ■ *Уч йил ичида у [Мамараим] кирмаган кўча қолмади. Наякини ўрганди, қора дори еди, такяларга кириб, кўкнори ичди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чапани йигитлар қиттак наяки қилиб олдилар-да, хуфтондан оғдириб, Қаънига жўнадилар.* Ойбек, Улуғ йўл.

НАҚ [*а.* نقد – бор, мавжуд, қўлдаги пул] *рвш.* **1** Айтилганнинг, кўзда тутилганнинг ўзгинаси; худди, айни. *-Отангизга раҳмат, Юсвали тоға! – деди бошини қимирлатиб Мели полвон. – Гапнинг нақ онасини айтдингиз-қўйдингиз!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қоқ, айни, худди. *Нақ ярим кечада. Нақ шу пайтда.*

3 Оз бўлмаса; деярли. *Нақ йиқила ёздим.*

4 Роса, обдан. *Баҳорда чунонам қўш тортдики, жонвор қорабайирни нақ.. терга тушириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Бўлмаса, акс ҳолда. *[Самоварчи] Товушини баланд қўйиб, ўзича валдирар эди: -Ҳой, аравакаш бола, отингни торт, нақ тезагини дўппингга солиб бераман!* Ойбек, Танланган асарлар.

НАҚАДАР *рвш.* Қандай, қанчалик. *Элмурод янги мактаб биноси қишлоқ тарихида нақадар улуғ иш эканлигини, бу улуғ ишга озмикўпми ўз меҳнати сингганини ўйлаб, ўзидан-ўзи ғурурланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тошкент тонготари нақадар гўзал.* Ғайратий.

НАҚАРОТ [*а.* نقرات – гоҳ-гоҳ, такрор-такрор тақиллатиш, чертиш] Қўшиқнинг ҳар бир бандидан кейин қайтарилувчи, такрорланувчи қисми. *Юрагимга ишқинг уруғини Билсанг эдинг экканлигингни. Қалбимнинг шўх, соз қўшиғининг Нақароти эканлигингни.* Х. Салоҳ.

НАҚБ [*а.* نقب – тешик, тирқиш; ер ости йўли] Ер тагидан кавланган йўл. *Мўғуллар аксари ер остидан нақб қазиб, шаҳарга кириб олар, ўз аскарларига дарвозани очиб берар эдилар.* М. Осим, Ўтрор.

НАҚД [*а.* نقد – қўлда бор, мавжуд пул] **1** Пулини дарҳол тўлаш шарти билан бўлган ёки бўладиган савдо муомаласи. *Нақдга олмоқ. Нақдга сотмоқ.*

2 Қўлда, ихтиёрда бор, фойдаланиш ёки муомалага киритиш учун тайёр. *Нақд пул. Нақд қилмоқ.* ▬ *Сафохон тўра-чи? Бу зот унинг эзгу ниятини қувватлабгина қолмай, қўлига нақд маблағ ҳам тутқазди!* К. Яшин, Ҳамза. *-Бўлди, адаш, бўлди! — деди Колянинг олдига борган Қудрат дўпписини осмонга ташлаб. — Рухсат.. арава ҳам нақд!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сойма-сой жилиб, ерларни бир-бирига қўша-қўша, ҳозир эллик гектарни нақд қилдик.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

3 Аниқ, ҳал бўлган, тайёр. *[Фотима:] Ўқишга кириши нақдга ўхшайди.. Пешонам қурсин.. сени катта қилиб берганим кам экан, энди боласини ҳам катта қилиб бераман, шекилли.* А. Қаҳҳор. Асарлар.

НАҚДИНА [*а.* + *ф.* نقدينه — бор, мавжуд пул] *эск. кт.* Нақд пул. *Ўғлим, энди бозорўчарнинг ҳам пайидан бўлинг.. Нақдина пул — ҳам енгил, ҳам қиммат, ҳам яширишга осон бўлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

НАҚДЛАМОҚ Нақд қилмоқ, тайёр қилмоқ. *Кўмир келган бўлса-я? Эсингни едингми, Қодир, сенга кўмирни нақдлаб турибдими шу топда, — ўзини ўзи койирди [Қодирхўжа]. — Яна бирон корхона келаётгандир, кутиб олиш керак.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

НАҚДОНА *айн.* **нақдина.** *-Назри нақдона бўлмаса, кўнгил ҳам жойига тушмайди, иш ҳам юришмайди, — деди Ҳожи хола,* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАҚИБ [*а.* نقيب — бошлиқ, раис] Хива хонлигидаги ҳарбий мансабдор. *Расмий қабул маросимларида нақиб хоннинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган.. хазинадан таъминланиб турилган.* «ЎзМЭ».

НАҚЛ [*а.* نقل — узатиш, ўтказиш; таржима; кўчириб ёзиш; қайта ҳикоя қилиш] **1** Халқ томонидан тўқилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя; ривоят. *Нақлларга, қўшиққа, ривоятларга, Мақолларга, эртакка, ҳикоятларга Мен умримда жуда кўп қулоқ осибман.* М. Шайхзода.

2 Умуман, бирор кимса, нарса ёки унинг тарихи ҳақидаги гап, ҳикоя. *-Тўхтанг, мен сизга бу телба аёлнинг нақлини айтиб берай, — деди ота..* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Умарқул Тўлқин билан Учқунни икки ёнига ўтқазиб олиб, саёҳатини нақл эта бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Халқ томонидан яратилган ҳикматли гап. *Халқимизда "Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилади" деган нақл бор.*

НАҚЛИЁТ [*а.* نقليات — анъанавий фанлар; транспорт] *эск.* **1** Халқ хўжалигининг юк, одам ва ш. к. ташиш билан боғлиқ бўлган тармоғи; транспорт. *Нақлиёт ширкати. Нақлиёт воситалари.*

2 Юк, одам ташиш. *У вақтларда ҳали темир йўл қурилмаган, шунинг учун нақлиёт фақат туя карвони билан Қизилқум чўли орқали амалга ошириларди.* С. Айний, Эсдаликлар.

НАҚШ [*а.* نقش — расм, безак; ўйма тасвир, гул] **1** Ўйиб, тикиб, тўқиб ёки бўёқ билан ишланган гул, безак. *Нафис нақшлар билан безатилган бино.* ▬ *Гавҳар ойна устига солинган катта бир ўйма нақш олдида Маҳкамни тўхтатди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *кўчма* Кўрк, зийнат. *Одам борки, одамларнинг нақшидир, Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.* Мақол. ▬ *Меҳнат бизда шараф, мардлик ишидир, Меҳнат фазилатдир, инсоннинг нақши.* Э. Раҳим, Янги қадам.

Нақш олма Олманинг рангдор ва қизғиш йўллари бўлган бир тури. *Адолат бутунлай ўзгариб кетганга ўхшайди, юзи ойдек тўлиб, нақш олмадек қизариб турибди.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

НАҚШБАНД [*а.* + *ф.* نقش بند] *айн.* **нақшдор.** *Осмонўпар бинолар, нақшбанд маъмурий идоралар, ҳашаматли маданият саройлари кўзни қамаштиради.* Газетадан. *Тўрда нақшбанд арк.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАҚШБАНДИЙЛИК *айн.* **нақшбандия.** *Алишер Навоий нақшбандийлик асосларини қаноат тариқи деб атаганлар.* Газетадан.

НАҚШБАНДИЯ [*а.* + *ф.* نقشبنديّه] Тасаввуфнинг 14-асрда асос солинган тариқатларидан бири. *Нақшбандияда одамнинг қадри унинг мансаби, бойлиги билан эмас, маънавий комиллиги билан ўлчанади.* Газетадан.

НАҚШДОР [*а.* + *ф.* نقش دار — нақшга эга, нақши бор, нақшли] Нақш солинган, нақш билан безатилган, нақшланган; нақшли, нақшинкор. *Шипи шарқча нақшдор уй, нақшлари эскириб, ранги хираланган, лекин ҳали диққатни тортарли ҳолда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир гал Давлатёр билан Элмурод қишлоқ оралаб кетаётганларида, бир нақшдор дарвоза очилди-ю, озғин бир йигит от етаклаб чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАҚШИН [*а.* + *ф.* نقشين – нақшли, нақш билан безатилган] *айн.* **нақшдор**. *Шомга яқин шу нақшин дарвоза тагига "Форд" машинаси келиб тўхтади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қаторасига биридан иккинчисига кирадиган тўртта катта-кичик нақшин уй олдида баҳаво бир шийпон.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Нақшин нафас ичида булбул тарона қилмас.* Э. Воҳидов.

НАҚШИНКОР *айн.* **нақшдор**. *Нақшинкор уй. Нақшинкор кўза.* ▬ *Хонанинг тўрт томонидаги нақшинкор жавонлар китобга лиқ тўла эди.* О. Ёқубов, Диёнат.

НАҚШКОР [*а.* + *ф.* نقشكار – нақш солувчи, нақш ишловчи] **1** *айн.* **нақшдор**. *Олимхон элликбошининг кўнглидагидай зиёфат: жиҳозларга бой, гўзал, нақшкор меҳмонхонада ўтиради, яна.. донгдор бойвачча билан суҳбат!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **наққош**. *Нақшкор уста.*

НАҚШЛАМОҚ Нақш бермоқ, нақш билан безамоқ. *Деворларни нақшламоқ.* ▬ *Бу ерда серсавлат бир киши клуб деворини нақшлаётган усталарнинг ҳунарига маҳлиё бўлиб турарди.* Газетадан.

НАҚШЛАНМОҚ *кўчма* Сақланиб қолмоқ, муҳрланмоқ. *Буларнинг ҳаммаси гўдак хотирангда нақшланиб қолган бўлса ажаб эмас.* К. Яшин, Ҳамза. *Бир зум қараш билан юракка нақшланган унинг чеҳрасини яна кўз олдида жонлантиришга тиришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАҚШЛИ *айн.* **нақшдор.** *Саҳни торроқ, лекин тўрт томони уй-айвонлар билан ўралган ташқари ҳовлидаги нақшли.. меҳмонхонанинг бирида қат-қат шоҳи кўрпачаларда, иссиқ танчага суқилиб Мирзакаримбой ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАҚШЧИ *айн.* **наққош**.

НАҚҚОШ [*а.* نقّاش – ўймакор; бўёқчи] Нақш ишловчи, безак, гул яратувчи уста. *Кўзим жимирлаб кетди, Нақшларига қарасам. Дейдилар: Уста Ширин, Наққошини сўрасам.* Қ. Муҳаммадий.

НАҚҚОШЛИК Нақш чизиш, ўйиш билан шуғулланувчи соҳа; наққош касби. *Ҳозир шаҳарда кўплаб кулолчилик ва наққошлик устахоналари ишлаб турибди.* Газетадан.

НАҒАЛ [*а.* نعل – тагчарм, пошна; тақа] Оёқ кийимининг пошнасига ёки тагчарми учига қоқиладиган тақача. *Ботинка нағалининг кўча тошларига урилиб чақиллаши эшитилди-ю, Маҳкамнинг хаёли бўлинди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

НАҒМА [*а.* نغمه – куй, оҳанг, наво] **1** *эск.* Куй, оҳанг, наво; мусиқа товуши. *Тол шохларини тўлдирган паррандалар нағмаси ҳам ортиқчалик қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *[Комил:] Бу хушнуд нағмалардан бенасиб бўлманг, деб атайин уйғотдим, бир эшитиб қолинг!* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам – дилим.

2 Лабда юрғизиб пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. *Болалар тарқалишади. Қоравой нағмасини чалади..* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 *кўчма салб.* Ортиқча қилиқ, хархаша. *Э, бу одамнинг нағмаси кўпга ўхшаб қолди.* Уйғун, Ҳуррият. *У [Ибодилла] дорини ишлатдими, бас, турли-туман нағма чиқаради.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 *кўчма с. т.* Ортиқча ташвиш, дахмаза, икир-чикир. *Тўйининг нағмаси кўп бўлар экан.*

НАҒМАГАР [*а.* + *ф.* نغمه‌گر – нағма қилувчи, нағмачи] *шв.* Созанда, мусиқачи. *Чавандозлар катта унум қилади. Қирқ кунгача узмай тўйини беради, Ўйинчи, нағмагар – бари келади.* «Алпомиш».

НАҒМАЧИ 1 Нағма чалувчи созанда.

2 *эск.* Умуман мусиқачи.

НАҲ: наҳ урмоқ Ёмонлаб қадрини пастга урмоқ, ерга урмоқ, камситмоқ. *Камбағал, қашшоқни наҳ уриб келдинг, Бойликнинг домасин бизларга қилдинг.* «Фольклор».

НАҲАЛ *шв.* Нағал. *Аламига чидолмаган бири пошнасига наҳал қоқилган калта қўнжли этиги билан бошига тепди.* В. Ғофуров, Вафодор.

НАҲАНГ [*ф.* نهنگ – кит; тимсоҳ] **1** *айн.* **акула, кит.** *-Заминдорларга қарам бўлгандан кўра, наҳанг оғзига бош суққан яхши, – деди Абдулқодир уҳ тортиб.* Ойбек, Нур қидириб. *Дарахтлар қоплаган бу оролча бениҳоя дилбар, қирғоқнинг яқинида наҳанглар сузиб юрармиш.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

2 *кўчма* Ўта юлғич; ўзлаштирувчи. *У [Анорхон] наҳанг, сен лаққа.. Раислик муҳринг билан бирга ютиб юборади.* И. Раҳим, Ихлос. *Нафси наҳанг Ашуров ҳаш-паш дегунча колхознинг жуда кўп пулини камкўстига сарфлаб юборди.* Газетадан.

3 *айн.* **балиқ йили** *қ.* **балиқ** I **3.**

НАҲВ [*а.* نحو – томон; чекка, бурчак; синтаксис] *эск. айн.* **синтаксис.**

НАҲОР [*а.* نهار – туш пайти, кундуз вақти] **1** Кундуз, кундуз кун.

Лайлу наҳор Кеча-кундуз. *Сени соғинганда лайлу наҳорлар, Остона тубида бўлдим интизор.* Т. Тўла.

2 Тонг ёришган пайт; эрта тонг. *Колхоз хазиначисин қўли-қўлига тегмас, Танда каби уланур оқшомига наҳори.* Ғ. Ғулом. *Кўз тутади далада баҳор.. Кутмакдадир эл туриб наҳор.* Ҳ. Олимжон. *Бўри ўғлини наҳорда уйқудан уйғотиб, тухум ютқизди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

3 *кўчма* Эрта нонуштадан олдин, нонушта қилмай, оч қоринга. *Наҳор юрмоқ. Наҳорга дори ичмоқ.*

НАҲОРИ *айн.* **наҳорлик**. *[Гулжон:] Жиндак наҳори қилайлик, шояд ҳордиқларингиз чиқса.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

НАҲОРИЙ *сфт.* Наҳорга хос; наҳордаги. *Қай томон боқар бўлсам, Бу тириклик боғида Баҳорий илиқлигу Наҳорий тиниқлик бор.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

НАҲОРЛИК Эрталабки овқат; нонушта. *Эрталаб Аҳмад Ҳусайн бир пиёла чой ва бир бурда чапати билан наҳорлик қилиб, ўрнидан турди.* Ойбек, Нур қидириб.

НАҲОТ(КИ) *юкл.* Сўроқ ва таажжуб-шубҳа маъносини билдиради. *Наҳот ўғлимга ўшандоқ қаттиқликни раво кўрсам!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *[Сифат буви:] Айланай, қизим, наҳотки бошингга давлат қуши қўнса-ю, уни калтак олиб, ўзинг қувласанг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

НАҲР [*а.* نهر – дарё] *эск. кт. айн.* **дарё**. *Ёвнинг умидлари соврилди кўкка, Сен кечиб ўтганда Одер наҳридан. Жаҳоннинг тақдири тўғри ҳал бўлди, Сен мағрур ўтганда душман шаҳридан.* Уйғун. *Қулоғимга номинг кирганда, Қумлик каби ташна боқурман. Сенинг жаннат водийларингдан Наҳрлардай тўлиб оқурман.* Ҳ. Олимжон.

НАҲРА Девор туйнуги. *Пахса деворнинг наҳрасидан хотин кишининг боши кўринди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Холдорхон жавоб кутмай, тешани олиб югуриб кетди. Кейин тирмашиб чиқиб, теша билан девор тепасидан наҳра очди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Эрталаб ҳовли супураётган келинойиси девор наҳрасига ҳайрон бўлиб қараб турганда, Моҳидил кўзини қисиб қўйди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

НАҲРУЛҲАЁТ [*а.* نهرالحيات – тириклик дарёси] *эск. кт.* Ҳаёт дарёси. *Мана, Туямўйин! Бунёд бўлади Улкан наҳрулҳаёт ва нур чашмаси* Ф. Зоҳид, Туямўйин қўшиғи.

НАҲС [*а.* نحس – бахтсизлик; мусибат; омадсизлик] **1** Ғусл қилмаган, нопок.

Наҳс босган *ёки* **наҳсда қолган** Ғусл қилмаган, ювуқсиз ҳолатли. -*Менинг ҳолимга раҳм қилинг, хўжайин! -Сен наҳсда қолгансан. Сенга ёрдам қилишнинг фойдаси йўқ.* С. Айний, Дохунда. *Чолнинг ғазаби тутақди. Ўғлини "шумқадам, наҳс босган", деб сўкди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *сўк.* Ифлос, нопок; разил, палид. -*Бўлиб қолдинг, наҳс! – дейди Мирвали банги, – етти отангнинг ўраси ҳам бунчалик буғдойни кўрмаган.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Йўқ бўл, наҳслар, шумғиялар!* Ҳамза.

3 *кўчма с. т.* Иши олдинга босмаган, юришмаган. *[Мулладўст:] Бу дунё ҳамма ёғидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун эллик тўртга кирибманки, иқболим наҳс, фалокатдан сира ажралолмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

НЕ *сўр. олм.* **1** Нарса-предмет ҳақида сўроқни ифодалайди; нима? *Сенга не бўлди?* ▬ *Энди сенга нелар айтайин?* Ҳ. Олимжон. *Не дейди сенинг ўсган еринг?* «Гўрўғли».

2 Белги ҳақида сўроқни билдиради; қандай? *Не айби бор?*

3 Маъно кучайтириш учун қўлланади. *Акам содда деҳқон йигитга ўхшайди, содда бўлгани яхши. Негаки, шумларнинг қўлига тушиб, не балоларга гирифтор бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Қодирқул:] Мен учун не бахтли кундирки, тўрамиз қоронғи кулбамни ёритдилар!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

НЕАНДЕРТАЛЛАР [*нем.* ибтидоий одам қолдиқлари дастлаб (1856 йил) қазиб топилган Неандертал (Германия) водийси номидан] Инсоният тадрижий тараққиётида питекантроп билан ҳозирги одам ўртасида жой эгаллаган қадимги қазилма одам тури. *Осиё, Ўрта Осиё ва Африкада топилган неандерталларнинг бўйи унча баланд бўлмаган.* Газетадан.

НЕВАРА *айн.* **набира.** *Келинлар далада, невaралар боғча ва яслида, ҳовли жимжит.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

НЕВАРА-ЧЕВАРА Набира(лар) ва чевара(лар). *Бу файзли хонадонга йиғилган ўғил-қизлар, невара-чеваралар катта ҳовлини лиқ тўлатиб ўтиришибди.* Газетадан.

НЕВР-, НЕВР(О)-, НЕЙРО- [*юн.* neuron – томир, нерв] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг нервларга, нерв системасига алоқадорлигини билдиради (мас., *невроз, неврология*).

НЕВРАЛГИЯ [невр.. + *юн.* algos – оғриқ] *тиб.* Нерв ёки унинг бирор қисми бўйлаб тарқаладиган кучли оғриқ.

НЕВРАСТЕНИЯ [невр.. + *юн.* astheneia – заифлик, толиқиш] *тиб.* Нерв системасининг узоқ вақт ақлий ёки эмоционал зўриқиши, руҳий изтироб, физиологик етишмовчиликлар (мас., тўйиб ухламаслик ва овқатланмаслик каби) натижасида келиб чиқадиган касаллик.

НЕВРОЗ [*қ.* **невр(о)-**] *тиб.* Узоқ вақт давом этган оғир ички кечинмалар, руҳий изтироблар таъсирида пайдо бўладиган асабий-руҳий касалликларнинг умумий номи. *Умумий невроз. Юрак неврози.* ▬ *Невроз эса барча асаб касалликлари орасида сабаби аниқ хасталик саналади.* «Фан ва турмуш».

НЕВРОЛОГ Неврология мутахассиси, нерв системасини ўрганувчи шифокор.

НЕВРОЛОГИК Неврологияга, нерв касалликларига оид. *Неврологик клиника.*

НЕВРОЛОГИЯ [невр(о).. + *юн.* logos – фан, таълимот] *тиб.* Нормал ва патологик ҳолатдаги нерв системасининг тузилиши ва фаолиятини ўрганувчи фан.

НЕВРОПАТОЛОГ Невропатология мутахассиси, врачи.

НЕВРОПАТОЛОГИЯ [невр(о).. + патология-] Тиббиётнинг нерв системаси касалликларини, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ўрганувчи бўлими.

НЕГА *сўр. олм.* **1** Ҳаракат ёки ҳодисанинг сабаби ҳақида сўроқни ифодалайди; нима учун? *Қани, ростини айт-чи, нега қўнимсизсан?* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Риторик сўроқ гапларда сўзловчининг айтилган, бўлиб ўтган ёки кўзда тутилган ҳаракат, ҳодиса ва ш. к. ларга салбий (афсусланиш, ачиниш) муносабатини билдиради. *Ғам, қўрқув титроғи билан эзилган Гулнор кўрпага ўралиб ўйлади: Нега кеча қочмадим?* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен айтаман, болам, қўлимдан шунча иш келар экан, даданг ҳаёт вақтида нега "берсанг – ейман, урсанг – ўламан", деб ўтирган экан-ман!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Нега денг (*ёки* **десанг**) Чунки, сабаби шуки, негаки. *Маслаҳатга ҳаммаси чаққон. Нега десанг, маслаҳатгўйлик осон нарса-де: тили қимирлайди, холос.* Ойбек, Танланган асарлар.

НЕГАДИР *гум. олм.* Ҳаракат ёки ҳодиса сабабининг ноаниқлигини билдиради; нима сабабдандир, нима учундир. *Негадир бу кишининг ўзи ҳам, совғаси ҳам Навоийга ёқмаган эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Отабек тасдиқ ишорасини бергач, негадир бир энтикиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НЕГАКИ *сабаб боғл.* Сабаб шуки, чунки. *Негаки, ҳозирда менинг кўз ёшларимгина эмас, бутун борлиғим сиёҳдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яхши ишласам, албатта, чакки бўлмайди. Негаки, булар қариндошларим, ҳаммадан юлсалар ҳам, мендан юлмаслар.* Ойбек, Танланган асарлар.

НЕГАТИВ I [*лот.* negativus – манфий, салбий] *фото, кино* **1** Оқ ўрнига қора, қора ўрнига оқ бўлиб тушган фототасвир ва шундай тасвир туширилган пластинка ёки плёнка; *зид.* **позитив**. *Негативдан позитивга сурат кўчирмоқ. Негативни сақлаб қўймоқ.*

2 *сфт.* Оқ ўрнига қора, қора ўрнига оқ туширилган; шундай фотосурат олиш учун ишлатиладиган. *Негатив сурат.*

НЕГАТИВ II *сфт.* Тескари, акс мазмундаги; нотўғри, яроқсиз (маълумот, хабар, гап-сўз). *Негатив маълумот.* ▬ *..анжуманда ҳаётнинг негатив ҳодисалари очиб ташланди..* Газетадан.

НЕГИЗ 1 Бирор нарсанинг ҳамма устки қисмларини тутиб, кўтариб турадиган остки қисми; пойдевор, фундамент. *-Албатта, янги усулда, – дейди Берди татар, – негизи ўн қаторча пишиқ ғишт, юқориси хом ғишт.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бирор нарсанинг асосини ташкил этган омил; база, асос. *Ўзбекистонда чорвачиликни саноат негизида ташкил этиш борасида кўп ишлар қилинди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик. *Ҳужайра ҳар қандай организмнинг негизи ҳисобланади.* Газетадан.

3 *тлш.* Сўзнинг асосий маъносини билдирувчи, сўз ўзгартувчи қўшимчалар олмаган қисми. *Негиз ва қўшимча.*

НЕГОВ Қовоқни ўйиб ясалган идиш. *Саидий неговда анҳордан сув олиб ичди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўзим ҳам озиб кета бошладим. Бурним осилиб, негов қовоқдек бўлиб кетди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

НЕГР [*исп.* negro < *лот.* niger – қора] *қ.* **негрлар**. *Негр халқи. Негр аёл.*

НЕГРЛАР Қора ирққа мансуб одамларнинг кўп тилларда қабул қилинган номи; Африканинг туб аҳолисини ташкил этувчи қора танли халқ; занжи; ҳабаш.

НЕДИР *гум. олм.* Нарса ёки ҳаракат ноаниқлигини билдиради, нимадир. *Кумуш меҳмонхонага киргандан сўнг ҳам, терсайиб, токчалардан недир ахтаргандек юрина бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НЕЙЛОН [*ингл. nylon*] Табиий ипакдан ҳам пишиқ ва мустаҳкам сунъий тола ва шу толадан тўқилган газлама. *Товони қора нейлон пайпоқ чиқибди, ҳай қизлар, ким кўрди?* А. Мухтор, Туғилиш.

НЕЙРОАНАТОМИЯ [нейро.. + анатомия] Анатомиянинг нерв система шакли ва тузилишини ўрганадиган бўлими.

НЕЙРОДЕРМИТ [нейро.. + *юн.* derma – тери] *тиб.* Терининг руҳий-асабий изтиробларга боғлиқ ҳолда ривожланиб кучайиб борадиган, унинг қичишиши, юза қатламининг қалинлашиши билан намоён бўладиган касаллиги.

НЕЙРОЛИНГВИСТИКА [нейро.. + лингвистика] Марказий нерв системасида муайян нутқий ифодаларни шакллантириш, бошқаларидан фарқлай олиш ва ш.к. билан боғлиқ жараёнларни ўрганувчи илм соҳаси.

НЕЙРОХИРУРГИЯ [нейро.. + хирургия] Хирургия (жарроҳлик)да: нерв системасининг жарроҳлик йўли билан даволанадиган касалликларини ўрганувчи соҳа. *Мен анча вақт Тошкент вилоят бирлашган касалхонасининг нейрохирургия бўлимида даволандим.* Газетадан.

НЕЙТРАЛ [*лот.* neutralis – на унга, на бунга мансуб; бетараф] **1** Уруш қатнашчиларининг бирортасига ҳам қўшилмайдиган, бетараф. *Нейтрал давлатлар.*

2 Халқаро битимга асосан, ҳарбий тўқнашувлар ва ҳарбий куч тўплаш ман этилган. *Нейтрал зонадан ўтиб, сойга тушдим. Атрофга кўз ташласам, нарироқда шерикларим кўринди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 *ким.* Кислотали реакция ҳам, ишқорли реакция ҳам бермайдиган. *Нейтрал эритма.*

НЕЙТРАЛИТЕТ [*нем.* Neutralität < *лот.* neutralis – бетараф, у ёки бунга тегишли бўлмаган] **1** Бошқалар тортишувига, жанжалига аралашмаслик.

2 *ҳуқ.* Давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳолати: уруш пайтида – урушда иштирок этмаслик, тинчлик пайтида – ҳарбий уюшма ва иттифоқларига қўшилмаслик. *Панама каналининг доимий нейталитети ва ундан фойдаланиш ҳақидаги Америка-Панама шартномаларига кўра, АҚШ Панама билан биргаликда канал нейтралитетига кафолат беради.* Газетадан.

НЕЙТРАЛЛАМОҚ 1 Нейтрал, бетараф қилмоқ. *Армияни нейтралламоқ. Давлатни нейтралламоқ.*

2 *ким.* Ишқор таъсирида эритманинг кислоталик хусусиятини ёки кислота таъсирида ишқорлик хусусиятини йўқотмоқ.

НЕЙТРАЛЛАНМОҚ **Нейтралламоқ** фл. ўзл. н. *Нейтралланиш реакцияси* (*ким*).

НЕЙТРАЛЛИК *айн.* **нейтралитет.** *Австриянинг нейтралликни сақлаш ҳақидаги мажбурияти бугунги кунда ҳам ўз кучида.* Газетадан.

НЕЙТРОН [*ингл.* neutron < *лот.* neutrum – униси ҳам, буниси ҳам эмас] *физ.* Электр жиҳатдан нейтрал (электр заряди нолга тенг) элементар зарра; атом ядросининг таркибий қисми. *Илмий тадқиқот реакторларида у қадар кўп уран сарф қилмасдан юқори даражада нейтрон оқимини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.* «Фан ва турмуш».

НЕК [*ф.* نیک – яхши] *сфт. кт.* Яхши, хайрли. *Бу боланинг қадами нек бўлгани отидан маълум. Буни сотиб олсангиз, уйингизга унинг қадами билан бирга неклик киради.* С. Айний, Қуллар.

НЕКБАХТ [*ф.* نیکبخت – бахтли, омадли, бахти кулган] *кт.* Толеи баланд, бахтли. *Бир намхуш, ёлғизоёқ дала йўлин бошида Мен некбахт турар эдим бемисл ният билан.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик.

НЕКБИН [*ф.* نیکبین – яхшиликни кўрувчи] *кт.* Ҳар нарсани яхши томондан кўрувчи, келажакка ишонувчи; оптимист. *Унинг тақдири ҳақида энг некбин бўлган Ҳайдар ҳожи, энди бадбинликка тушиб, хатлар ёзади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

НЕКИ *эск. айн.* **нимаики.** [*Навоий:*] *Халойиқ нафъидур ҳар неки билдик, Халойиқ билса бас, ҳар неки қилдик.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Мен неки деган бўлсам, кўнглимдагини дедим, неки ёзган бўлсам, кўрганбилганимни ёздим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

НЕКЛИК Яхши хусусиятга эгалик, яхшилик. *Кексалар бирон кишига неклик тиламоқчи бўлсалар: «Болаларинг орзусини кўр, топганинг тўйга, яхшиликларга буюрсин!» — дейишади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

НЕКРОЗ [*юн.* nekros — ўлик, ўлган] *тиб. биол.* Тирик организмдаги бирор аъзонинг, унинг тўқима ёки ҳужайраларининг ўлиши, жонсизланиши.

НЕКРОЛОГ [*юн.* nekros — ўлик, ўлган + logos — сўз, нутқ] Бирор шахснинг вафоти муносабати билан унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган мақола, таъзиянома. *Некролог эълон қилмоқ.*

НЕКТАР [*юн.* nektar] **1** Юнон мифологиясида: худо (маъбуд)ларнинг абадий ҳаёт ва ёшлик ато этувчи илоҳий ичимлиги.

2 *бот.* Гулнинг шираси, гулшира. *Ўсимликлар доривор моддалар манбаидир. Шундай моддалардан бири гул нектаридир.* «Фан ва турмуш» *Асалари ўн минг гулга қўниб, бир граммдан нектар тўплайди.* Газетадан.

НЕКҚАДАМ [*ф.* + *а.* نیک‌قدم — қадами қутлуғ] *кт.* Бахт келтирувчи, шарофатли (одам ҳақида). *Ғуломжон ака некқадам инсон, у қаерга, қайси хўжаликка раҳбар бўлиб борса, ўша жой гуллаб-яшнайди.* Газетадан.

НЕМИС [*қад. р.* немец — ғўлдираб, ноаниқ гапирувчи, соқов; ажнабий] *қ.* **немислар.** *Немис тили. Немис халқи. Немис аёл.* ▬ *Шу-шу бўлди-ю, немис тилини ўрганишга ҳаракат қилди. Бироқ бир неча ой меҳнат қилгандан кейин эшитсаки, Шекспир немис эмас, инглиз экан.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

НЕМИСЛАР Германиянинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

НЕМИСЧА 1 Германияга, немис халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Немисча ёзув.*

2 Немис тили. *Сиз немисча(ни) биласизми? Немисча гапирмоқ.* ▬ *Бу ўртоғим немисча билар экан, ҳозир жуда мавриди келганга ўхшаб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

НЕ-НЕ Кўп ва хилма-хил; қанчадан-қанча. *Маллахондан бери яшайман, болам, не-не хонларнинг, не-не бекларнинг отларини кўрганман, не-не отлар ўз қўлимдан ҳам ўтган. Аммо, бу отжон экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улар не-не хатарли жангда Бирга ўтга кирди ёнма-ён.* З. Обидов.

НЕНЕЦ *қ.* **ненецлар.** *Ненец халқи. Ненец тили. Ненец аёл.*

НЕНЕЦЛАР Россия Федерациясининг Архангельск ва Тюмень вилоятлари ҳамда Красноярск ўлкасида яшовчи халқ.

НЕО- [*юн.* neos — янги] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «янги, янгича» деган маънони билдиради.

НЕОДИМ [*лот.* neodymium < нео.. + *юн.* didymos — қўшалоқ, эгизак] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оч кулранг металл.

НЕОКОЛОНИАЛИЗМ [нео.. + колониализм — мустамлакачилик сиёсати < *лот.* colonia — манзилгоҳ] Жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари томонидан Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мустақил мамлакатларга нисбатан қўлланаётган, ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими; янгича мустамлакачилик сиёсати.

НЕОЛИТ [нео.. + *юн.* lithos — тош] *археол.* Тош асрининг энг кейинги даври. *Дастлабки сопол буюмлар неолит даврига мансуб бўлиб, бу давр археологик ёдгорликлари дастлаб Ўзбекистоннинг Хоразм, Қуйи Зарафшон воҳаларида топилган.* «Фан ва турмуш». *Яҳё Ғуломов экспедициясининг.. қидирувлари натижасида тадқиқ этилган неолит ва бронза даврига мансуб ёдгорликлар ҳайратомуз кашфиётлардан эди.* Газетадан.

НЕОЛИТИК Неолитга оид. *Сергей Павловичнинг кўп ишлари Ўрта Осиё, Қозоғистон ва ҳатто қўшни мамлакатларнинг неолитик ёдгорликларини текширишда туртки бўлиб ҳисобланди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

НЕОЛОГИЗМ [нео.. + *юн.* logos — сўз] *тлш.* Тилда турли эҳтиёжлар натижасида янгидан пайдо бўлган сўз ёки сўз бирикмаси. *Тил ривожланган сари неологизмлар билан бир қаторда окказионал неологизмлар ҳам вужудга келади.* «ЎТА».

НЕОН [*лот.* neon < нео..] Менделеев даврий системасининг 0 (нолинчи) гуруҳига

мансуб кимёвий элемент; ҳаво таркибида бўладиган рангсиз ва ҳидсиз газ (электр лампочкалари, сигнал, реклама ва ш. к. ёритиш асбобларини тўлдириш учун ишлатилади). *Неон лампа.* ▬ *Неон чироқлари нурида залда ғужғон ўйнаётган болалар худди аквариум ичида юрган балиқларга ўхшаб кўринади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

НЕОФАШИЗМ [нео.. + фашизм] Ўзининг аниқ шиорлари ва фаолият усулларини ҳозирги замонга мослаб ўзгартирган, лекин ғоявий-сиёсий асосини, қонун-қоидаларини сақлаб қолган фашизм.

НЕПТУН [*лот.* Neptunus – қадимги рим мифологиясида: денгизлар маъбуди, худоси] Қуёш системасининг Қуёшдан кейин саккизинчи ўриндаги катта сайёраси.

НЕПТУНИЙ [*лот.* neptunium < Нептун сайёраси номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб, табиий ураннинг парчаланишидан ҳосил бўладиган кумушсимон радиоактив кимёвий элемент.

НЕРВ [*юн.* neuron – томир, тола] *анат., физиол.* Бош мия, орқа мия ва нерв тугунларини гавданинг бошқа аъзо ва тўқималари билан боғлайдиган, асосан, нерв толалари тугунидан иборат мураккаб анатомик тузилма ва уларнинг ҳар бири; асаб. *Кўриш нерви. Ҳаракатлантирувчи нервлар. Нерв системаси. Нерв тўқималари.* ▬ *Тепки касаллигида айрим ҳолларда нерв системасида ҳар хил ўзгариш бўлиб, енгил ўтадиган менингит ҳам бўлиши мумкин.* «Саодат».

НЕСТ-НОБУД [*ф.* نیست – мавжуд эмас, йўқ + نابود – мавжуд эмас, йўқ қилинган]: **нест-нобуд бўлмоқ** Бекорга йўқ бўлиб кетмоқ; нобуд бўлмоқ. *Ҳосилнинг нест-нобуд бўлишига йўл қўйилмайди.* **Нест-нобуд қилмоқ** Бекорга йўқ қилмоқ; нобуд қилмоқ. *Олтиндан ҳам қиммат "оқ олтин" ўз вақтида ва нест-нобуд қилинмай йиғиб-териб олинди.*

НЕТАЙ *поэт.* Нима қилай, начора. *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

Сўрамай-нетмай 1) сўрамай-суриштирмай; 2) сўроқсиз, бесўроқ.

НЕТОНГ *поэт.* Не ажаб. *Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз, Ўгай бўлсак, нетонг, соғлар орасида.* А. Орипов, Руҳим.

НЕТТО [*итал.* netto – соф; ҳақиқий] Маҳсулотнинг ўров-идишсиз соф оғирлиги; *зид.* **брутто.** *Нетто – беш килограмм.*

НЕФРИТ I [*юн.* nephros – буйрак] *тиб.* Буйракнинг, энг аввало, буйрак тугунчаларининг яллиғланиши.

НЕФРИТ II *мин.* Яшил ёки оқ рангли тиғиз кристалл минерал (Нефритнинг майда тошлари буйрак шаклида бўлганлигидан ушбу минерал шундай аталади).

НЕФРОЛОГ Буйрак касалликларини ўрганувчи мутахассис, шифокор.

НЕФРОЛОГИЯ [*юн.* nephros – буйрак + logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг буйракнинг тузилиши ва фаолияти, касалликлари, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари каби масалаларни ўрганувчи бўлими.

НЕФТЧИ Нефть саноати ишчиси, мутахассиси.

НЕФТЬ [*турк.* neft < *ф.* نفت] Ёнилғи сифатида ишлатиладиган ва турли маҳсулотлар (мас., керосин, бензин) олинадиган қўнғир ёки қора ёғсимон, энг муҳим қазилма; суюқ минерал модда. *Боку нефти. Нефть билан ишлайдиган двигатель. Нефть саноати.* ▬ *Нефть ва газ бизнинг асримизда энг зарурий энергетик хомашё бўлиб қолди.* «Фан ва турмуш».

НЕЧА *сўр. олм.* **1** Сон-миқдор ҳақида сўроқни билдиради; қанча? *Костюм неча сўм туради? Соат неча бўлди? Заводда неча йил ишладингиз? Бир неча одам. Бир неча вақт. Фарғонага неча марта боргансиз? Мен буни сенга неча марта айтдим!* ▬ *Хон жанобларидан сўрайдирган бир неча тилакларим бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳис-ҳаяжонни билдирувчи гапларда миқдорнинг сон-саноқсизлигини, кўплигини билдиради. *[Холмат:] Мен сизнинг ишқингизда неча йилдан бери куйиб юрибман-а. Энди бундан ортиқ чидашга ҳеч тоқатим йўқ.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Поезд неча соат йўл юргандан кейин ана шу бекатчаларнинг бирига келиб тўхтади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

НЕЧА-НЕЧА Бир неча, анча-мунча, кўп. *Тўйга неча-неча эркак ва аёл келиб кетди.* ▬ *Сиддиқжонни.. колхозга тортишга неча-неча ҳаракат қилди: тушунтирди, ваъда берди, яхши гапириб ҳам кўрди, ёмон гапириб ҳам кўрди – фойдаси бўлмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НЕЧАНЧИ *сўр. олм.* Предметнинг тартиб ўрни ҳақидаги сўроқни билдиради. *Нечанчи синфда ўқийсиз? Нечанчи қаватда турасиз?*

НЕЧИК 1 *сўр. олм.* Белги ҳақидаги сўроқни билдиради; қандай?, қанақа? *Сизни нечик шамол учирди?* ▬ *Қулоқ солгин, нодон қўзим, сўзимга, Нечик энди айшу ишрат айлайин?* «Равшан».

2 *гум. олм.* Сабаб ҳақидаги сўроқни билдиради: нима учун? нима сабабдан? *Шу кечаси нечик унда бўш вақтларини бундан сўнг ёзиш-чизиш ишига сарф қилиш фикри қўзғалди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Ҳар нечик Ҳар қалай, ҳар ҳолда. *Ҳар нечик, иш дуруст бўлиб қолди.*

НЕЧИЛАМЧИ *айн.* **нечанчи.** *Раис бува, калиш нечиламчи эди*? Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

НЕЧОВ *сўр. олм.* Шахс, киши сони, миқдори ҳақидаги сўроқни билдиради. *Сизлар нечов?* ▬ *От суриб бу майдон ичра турарман, Сендай нечовларнинг додин берарман.* «Ширин билан Шакар».

НЕЧОҒЛИҚ *рвш.* **1** Нақадар, қанчалик, қандай. *Ишнинг нечоғлиқ қийинлигини билсанг эди. Кўрдингми, нечоғлиқ ҳушёр бўлиш керак.* ▬ *Нечоғлиқ ўзини қаттиқ ушлаган Кумуш ҳам сирини яшира олмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *боғл. взф.* Миқдор, даража мазмунидаги гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади, бунда эргаш гапнинг кесими шарт майли шаклида бўлади. *Ҳожининг бу сўзи Ўзбек ойимга нечоғлиқ ёққан бўлса, Отабекни шу қадар ерга қаратган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НЕЧТА *сўр. олм.* Дона, миқдор ҳақидаги сўроқни билдиради. *Нечта китобинг бор?* ▬ *-Арава бордими? — деди Ўрмонжон каттакон рўмолчаси билан юзини, бўйнини артиб. — Нечта арава борди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НЕЧУК *с. т.* Нечик? қандай, нима учун? *Аҳволингиз нечук? Нечук, шуни ҳам билмайсиз?* ▬ *Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма, нечукдир, ўнғайсизланар, қимтинар, ерга қарар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

НЕЧУККИМ *эрг. боғл. эск.* Негаки?, чунки, сабабли. *Хусусан, бундан сўнг дим сара бўлғай, нечукким, бугун кулбаи вайронамга Авазим ташриф буюрди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

НЕЧУН Нима учун?, нима сабабдан?, нега? *Мен нечун севаман Ўзбекистонни, Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.* А. Орипов, Юртим шамоли.

НЕЪМАТ [*а.* نعمت — бахтли, фаровон ҳаёт; инъом, ҳадя] **1** Табиат инъом этган егулик нарсалар; ноз-неъматлар. *Ширин меваларга ўрганган оғизларига бу ернинг нордон неъматлари ёқмади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Эзгу иш, яхши нарса. *Бўлакка неъмати васлинг фаровон айладинг кетдинг.* Муқимий. *Мана, илм қандоқ азиз неъмат. Дунёда илмдан ортиқ ҳам лаззатли ширин неъмат борми?* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Неъмат (эркаклар исми).

НЕҚАДАР *айн.* **нақадар.** *Лекин мени отмадинг ўтга, Неқадар яхшисан, ёшлигим!* Р. Парфи, Кўзлар.

НИВЕЛИР [*фр.* niveler — тўғриламоқ, бараварламоқ < niveau — ватерпас, шайтон] *геод.* Ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан ўлчайдиган геодезик асбоб.

НИВЕЛИРЛАШ Геодезик ўлчашнинг бир тури; ер сатҳи нуқталари баландликларини бирон-бир танланган нуқта ёки денгиз сатҳига нисбатан аниқлаш, белгилаш.

НИВЕЛИРОВКА *қ.* **нивелирлаш.**

НИВЕЛИРОВКАЧИ Нивелирлаш ишларини бажарувчи мутахассис.

НИГИЛИЗМ [*лот.* nihil — ҳеч нима, ҳеч нарса] 19-аср рус ижтимоий тафаккурида мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этишдан иборат оқим.

НИГИЛИСТ Нигилизм тарафдори.

НИГИЛИСТИК Нигилизм ва нигилистга оид. *Нигилистик қарашлар.* ▬ *Маданий меросга нигилистик муносабат санъат ва бадиий адабиётга юзакиларча ёндашишдан келиб чиққан эди.* Газетадан.

НИГИН [*ф.* نگین — узук; узукка қўйилган қимматбаҳо тош] *фольк. айн.* **узук**. *Энди Равшанбек кўзининг ёшини артиб, шундай нигинга қараса, нигиннинг юзида хати бор.* «Равшан».

НИГОР [*ф.* نگار — ёзувчи, ёзиб олувчи; севикли, гўзал; тавсиф] **1** Севгили; гўзал. *Кўнглида гўё нигори келади, ҳаётбахш узори уни бахтиёр қилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ёнимда бўлсанг, нигор, жонни айлардим нисор.* Ё. Мирзо.

2 Нигор (хотин-қизлар исми).

НИГОРОН [*ф.* نگاران – севимли, гўзал ёр] Зориқиб-толиқиб, интизор бўлиб кутувчи. *Нигорон кўзлар. Нигорон бўлмоқ.* ▬ *Ҳаёт шохлар орасида нигорон бўлиб ўтирган ёрини кўрди-ю, қалбида оғир чўккан дардлари тарқалгандай, шукроналик билан жилмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НИГОҲ [*ф.* نگاه – қараш, назар, кўз қараши] Кўз қараши; назар, боқиш, қараш. *Лаъли қўлига гугурт олиб, газни ёқаркан, унга зимдан қараганди, ихтиёрсиз равишда нигоҳлар яна тўқнашди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Майна бу бошлиқларга рўмолини сал кўтариб, бир нигоҳ ташлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

НИГОҲБОН [*ф.* نگاهبان – қараб турувчи, қоровул] Қараб турувчи, бошқариб турувчи. *Бўлмас обод эл, адолатли нигоҳбон бўлмаса, Бир-бирига меҳру шафқатли қадрдон бўлмаса.* Ҳабибий.

НИГРОЛ [*лот.* niger – қора + ol(eum) – ёғ, мой] Ёғли гудрон; механизмларни ёғлаш учун ишлатиладиган, нефтдан олинадиган қовушқоқ суюқлик.

НИГУН [*ф.* نگون – ағдарилган, тўнтарилган] Тескари. *Авлодим толеи нигун эмас, бас, Юрт деса, жонидан кечади ҳар дам.* Б. Бойқобилов.

НИДО [*а.* نداء – хитоб, мурожаат; даъват, чақириқ] *кт.* **1** Бирор кайфиятни, ҳистуйғуни ифодаловчи овоз, товуш. -*Қаёқданам бу балога йўлиқдим, уф-ф, – Хўжабековнинг кўкрагидан тубсиз пушаймон нидоси узилиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳайқириқ, айтилган фикр. *Бухорий харсангтош ётқизилган айланма кўчалардан борар экан, кўнглида бир нидо бор эди: «Менинг тинчгина ишлашимга имконият бермаётирлар!»* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *эск.* Чақириқ, даъват, ундов.

НИЁЗ [*ф.* نیاز – эҳтиёж; илтимос, ўтинч; ваъда; туҳфа, ҳадя] **1** *эск. кт.* Ёлвориш, ўтиниш. *Мен бандайи бечора дуо бирла ниёзин Оламнинг амири, шоҳи давронима айтинг.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кам қўлл.* Хайр-садақа.

3 Ниёз (эркаклар исми).

НИЗО [*а.* نزاع – баҳс, тортишув; жанжал, тўқнашув; кураш] Ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат; ихтилоф, нифоқ. *Давлатлар ўртасидаги низолар. Миллий низолар. Низо уруғини сочмоқ.* ▬ *Мусулмонқул ўз ғарази йўлида орада йўқ низоларни қўзғаб, куёви Шералихонни ўлдирди, гуноҳсиз Муродхонни шаҳид этди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Низо солмоқ *ёки* **низо уруғини сочмоқ** Қарама-қаршиликни, келишмовчиликни вужудга келтирмоқ. *Даҳо ўйлаб, улуғ шоир билан аёли орасига низо солишни топди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. **Орадан низони кўтармоқ** Ўзаро келишмовчилик, қарама-қаршиликни йўқотиш. *[Абдураҳмонбой Қудратга:] -Уй-жойингни қайтарай, давлатимдан баҳраманд қилай, орадаги низони кўтар!* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

НИЗОЛАШМОҚ Адоват, ихтилоф, нифоқ туфайли ўзаро жанжаллашмоқ. *Ориф ака узоқ қишлоқларда қолиб кетади, кўплар билан низолашиб ҳам олди, кўп дўстлар орттирди.* А. Мухтор, Чинор.

НИЗОЛИ Низога сабаб бўладиган, ихтилоф туғдирадиган, нифоқ соладиган; жанжалли. *Низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилмоқ.* ▬ *Раҳмон тоға қишлоқ пешволари билан боғлиқ бўлган низоли масалаларни ҳал этишга маслаҳат сўраб келганларга очиқ бир нарса дея олмас, уларни инсофга чақиришдан бошқа йўл йўқдай туюларди назарида.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

НИЗОМ [*а.* نظام – тартиб, тизим; тузум; устав, ички тартиб қоидалари] **1** Маълум иш, масала бўйича қонун-қоидалар, тартиблар мажмуи. *Сайлов тўғрисидаги низом. Қиличбозлик низоми.* ▬ *У уруш низомини билади.* С. Айний, Қуллар.

2 *эск. айн.* **устав**. *Бухоро ҳукуматининг ҳарбий низомига кўра, бузилган қуролни сарбоз ўз пулига тузатиши лозим эди.* С. Айний, Дохунда.

3 *эск.* Саф, қатор. *Низом тортмоқ.*

4 Низом (эркаклар исми).

НИЗОМНОМА [*а.+ ф.* نظامنامه – низом, устав, қоидалар] *айн.* **низом 1, 2.**

НИКЕЛЛАМОҚ Металл буюмлар сиртига никель югуртирмоқ, никель қопламоқ. *Кроватни никелламоқ.*

НИКЕЛЛАНМОҚ Никелламоқ фл. мажҳ. н. *Никелланган самовар.* ▬ *Ёруғ ва кенг хоналарда қулай жиҳозлар – никелланган*

кроватлар, стол, стул, шкаф, буфетлар бор. Газетадан.

НИКЕЛЬ [*нем.* Kupfernickel минерали номидан < Kupfer – мис + Nickel – мис қазиб олувчиларга тўсқинлик қилувчи ёвуз руҳ] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, ериши қийин, ҳавода ўзгармайдиган, кумуш каби оқ ялтироқ қаттиқ металл.

НИКОТИН [*фр.* nicotine < тамакини дастлаб, 1560 йилда Францияга олиб келган француз дипломати J. Nicot (Ж. Нико) номидан] Тамаки ва б. баъзи ўсимликлар таркибида бўладиган алкалоид, кучли заҳар. *Жуда кўп талант эгалари алкоголь ва никотин таъсиридан ҳалок бўлган.* «Фан ва турмуш».

НИКОТИНЛИ Таркибида никотин мавжуд бўлган. *Анабазин ва никотинли дорилар ўрнига кальций содасини ишлатиш мумкин.* Газетадан.

НИКОҲ [*а.* نكاح – уйланиш, эрга тегиш; эр-хотинлик; эр-хотиннинг қовушиши] *ҳуқ.* **1** Эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домулла томонидан ўқиладиган шартнома. *Никоҳ қилмоқ. Никоҳ ўқимоқ.* ▬ *-Ҳозир Зуҳур маҳсум чиқса, аянгизни чақириб, никоҳ ўқиймиз! – деди домла.* «Муштум». *Қиз никоҳ ва унинг эртаси бўладиган бутун можарони кўз олдига келтириб, аммасининг оёғига йиқилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқ; эр-хотинлик. *Никоҳ тўйи. Никоҳ тўғрисида гувоҳнома.*

НИКОҲЛАМОҚ Оилавий иттифоқни, эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштирмоқ, никоҳ ўқимоқ. *-Бўлар иш бўлган, мени қиморбоз никоҳлаб олган эди.. – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Робиянинг иддаси ўтгач, маҳалла имоми уни Тоҳирга никоҳлаб берди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

НИКОҲЛИ Никоҳлаб олинган, никоҳ ўқиб расмийлаштирилган. *Никоҳли хотин.*

НИКОҲСИЗ Никоҳ қилинмаган, эр-хотинлиги никоҳ ўқиб расмийлаштирилмаган. *Никоҳсиз хотин.*

НИЛ [*ф. - ҳинд.* نیل – кўк бўёқ модда, индиго] **1** Баъзи ўсимликлардан кимёвий йўл билан ажратиб олинадиган кўк бўёқ, олтин ранг билан товланадиган кўк кристалл модда.

2 Кўзга сурма, юзга ясама хол қўйиш учун қўлланадиган мис сурмачўп (*яна қ.* **мил** V). *Чиройлироқ хотин-қизларни ва ёш ўғлонларни чўмилтирганда, жуда катта аҳамият берилар.. қошлари терилар, кўзларига сурма ва юзларига нил билан ясама холлар қўйилар эди.* С. Айний, Қуллар.

3 Маълум бир нарсанинг учи (*яна қ.* **мил** I). *Юсупов милтиқнинг нилини осмонга қаратди-да, тепкини босди. Ёруғ осмон гумбурлаб кетди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

Бўёқчининг нилими? *қ.* **бўёқчи**. *-Дарахт ўстириш бўёқчининг нили эмас, – деди Комилжон.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

НИЛГУН [*ф.* نیلگون – кўк, осмоний ранг] *эск. кт.* Нилранг; мовий, кўк, нилий. *Полвонлар қадамига осмон поя, Жаранглар бош устида нилгун фазо.* Ғ. Ғулом.

НИЛИЙ [*ф.* نیلی – тўқ кўк, зангори] *айн.* **нилгун**. *Бола ҳар кун келар оқшомда, Тут тагига бориб ўтирар Ва сарҳадсиз нилий осмонга – Кўк гумбазга боқиб ўй сурар.* Х. Даврон.

НИЛУФАР [*ф.* نیلوفر] **1** Йирик баргли, чиройли катта-катта гулли, сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик.

2 Нилуфар (хотин-қизлар исми).

НИМ [*ф.* نیم – ярим, яримта] Ярим, сал, тўла эмас. *У, ним қоронғи уй ўртасида чалқанча ётгани ҳолда, бир нималар деб шивирлар.. эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очиқ лаби титради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

НИМА *сўр. олм.* **1** Предмет, воқеа-ҳодиса ҳақида сўроқни ифодалайди. *Бу нима? Нима янгилик бор? Сизга нима керак эди? Отингиз нима?* ▬ *Тошкентдан нималар келтирдингиз, бек ака?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Нима бўлди? 1) *айн.* **нима қилди**? *Унга нима бўлди?;* 2) қандай натижа билан тугади. *Иш нима бўлди?* **Нима гап**? Воқеа нимадан иборат? **Нима учун**? *қ.* **учун**. **Нима қиламан (***ёки* **қиласан, қилади)** Менга (сенга, унга) нима кераги бор, бошимга ураманми. *Мен буни нима қиламан? Нима қиласан ёлғон гапириб?* ▬ *Хўш, у [Йўлчи] тентакни қутқазиб нима қиласан, жиян?* Ойбек, Танланган асарлар. **Нима қилди**? Не бўлди?, қандай ҳодисага йўлиқди? *Сизга нима қилди?*

2 Риторик сўроқ гапларда инкор маъносини билдиради. *Дунёни сув босса, ўрдакка нима қайғу?* Мақол. ▬ *Юрт ишига ғамхўрлик қиладиган одамлар бор. Санларга нима.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Белги ҳақида сўроқни билдиради; қандай? *Нима гуноҳ қилдим?* Ойбек, Танланган асарлар. *Марғилонга нима юмуш билан келган эдингиз?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Нима қилай Қандай қилай, начора, илож қанча. *Гапга кўнмаса нима қилай.*

4 Қариндошлик муносабатлари маъносида "ким" ўрнида ишлатилади. *У менинг нимам бўлади? Сиз Каримнинг нимаси бўласиз?*

5 Сўроқ гапларнинг бошида умумий сўроқни билдирувчи сўз-гап сифатида келиб, сўроқни кучайтиради, таъкидлайди. *Нима, мадрасани битиртириб, мачитга имом қиласизми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Нима, бирон нарса тушиб қолдими?* – *бепарво сўради Салим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бир нима Ноаниқ нарса, предметни ифодалайди; нимадир. **Нимаси**? Сўзловчининг бирор нарса ёки хатти-ҳаракатдан таажжубланганлигини ёки норозилигини билдиради. *Канизак билан ўйнашганинг ўйнашган, Сидиқжоннинг хотинини чақиртириб, икковини уриштирганинг, Анзират хола бечорани урдирганинг нимаси?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Нимасини айтасан** (*ёки* **айтасиз**)? *крш. с.* Қани-я, қани энди.

НИМАГА *сўр. олм.* Сабаб ҳақида сўроқни билдиради; нега?, нима учун?, нима сабабдан? *Ака, нимага жим бўлиб кетдингиз?* Ойбек, Танланган асарлар. *[Чол:] Нимага бунақа қилганини биласизми бунинг?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НИМАГАКИ *эрг. боғл.* Нима учун десангиз, шунинг учунки, чунки. *Хурсанд бўлиш керак, нимагаки бугун қишлоғимизга уяз [уезд] ҳокими Фишман тўра келадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НИМАИКИ *нисбий олм.* Қандай нарса бўлмасин, нима бўлмасин ҳаммаси. *Дўстлар нимаики топсалар, баҳам кўришади.* ▬ *Нимаики қилсанг тилак, Барига ўқиш керак.* Қ. Муҳаммадий.

НИМАРСА *эск. айн.* **нарса**. *[Абдишукур:] Ука, менингча, ғафлатдасан, ўқимаганликдан бўлса керак, фикринг кўп нимарсалардан ҳали ғофил.* Ойбек, Танланган асарлар.

НИМДОШ [*ф.* نیمداشت – тутилган, ишлатилган; эскирган, тўзган] Кийилиб, тутилиб, анчагина эскирган (асосан кийим ҳақида). *Бир куни кечга томон Умурзоқ аканинг эски қўрғончаси олдида нимдошгина солдат шинели кийган одам пайдо бўлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Куз кечаси.. Совуқ шамол баданни тиканли тили билан тирнар, нимдош кийимдан ўтиб санчар ва қалтиратар эди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

НИМЖОН [*ф.* نیمجان – чалажон, чалаўлик, ярим жон] **1** Куч-қуввати кам; заиф, нозик. *У [Анзират хола] олтмишларга бориб қолган, нимжон, юзи жуда буришган бўлса ҳам, қизил, товуши майин ва ёқимли бир кампир эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Заиф, нозик, ҳали ўзини тутиб олмаган, яхши ривожланмаган. *Қатор-қатор ўтқазилган ёш ва нимжон ниҳоллар эндигина япроқ чиқарган эдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

НИМКОРЛИК [*ф.* نیمکاره – тугалланмаганлик; ярим бажарилганлик; ерни тенг шерикликка ишлаш] Хусусий эгаликда бўлган ерни ижарага олиб, тенг шериклик асосида фойдаланиш шакли. *1921-29 йиллардаги Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ўтказилган ер-сув ислоҳотлари натижасида нимкорлик барҳам топди.* Газетадан.

НИМКОСА [*ф.* نیمکاسه – кичикроқ коса] Кичик коса; косача. *У чиқариб кўкнор халтасин, Нимкосада эзди оғуни. Аввал "қулт-қулт" ютди анчасин, Сўнг ялади борийўғини.* Р. Файзий.

Коса тагида нимкоса Бирор гап, иш-ҳаракат ва ш. к. заминида яширинган гап ёки нарса ҳақида. *Темир Акбарович коса тагидаги нимкосага энди тушунди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

НИМПАЛЬТО [ним + пальто] Этаги тиззадан юқори турадиган пальто тури; калта пальто. *Жамшид секингина туриб, нимпальтосини эгнига ташлади-да, эшикка чиқди.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

НИМПУШТИ [*ф.* نیمپشت] Оч пушти. *Нимпушти гуллар.*

НИМРАНГ [*ф.* نیمرنگ – оч рангли, ёрқин эмас] **1** Ранги оч, оч ранг. *Ёз кунлари махдумнинг боғчаси оқ, нимранг, ола-зангор, малла-ложувард ва бошқа тус капалак-*

ларнинг ялт-ютл учишлари билан алоҳида бир кўринишга кирарди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Узумнинг ўртача кечпишар бир тури. *Токнинг тоифи, нимранг, ҳусайни, қирмиска, шивирғони, доройи каби навларини ўстириш мақсадга мувофиқ.* Газетадан.

НИМТА [*ф.* نیمتنه – тананинг ярми] Сўйилган мол ёки қўй танасининг бўйлама ярми. *Қассоб дўконини очиб, қўй нимталарини осяпти.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Темиртош яқиндаги бир мўғулни мўлжалга олиб, ўнг томонидан от солди, етиб бориб, унинг чап елкасига қилич урди, мўғул икки нимта бўлиб, отининг оёғи остига тушди.* М. Осим, Ўтрор.

Нимта қилмоқ Ўлдирмоқ, иккига бўлиб ташламоқ (*яна қ.* **нимталамоқ 2**). *Ҳамма ёқ қўрбоши. Ҳозир билса, нимта қилади. Йўқол, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам!* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

НИМТАЛАМОҚ 1 Сўйилган мол ёки қўй танасини бўйламасига икки тенг қисмга ажратмоқ.

2 *кўчма* Парча-парча қилмоқ, парчалаб ташламоқ. *Майдон-майдон отин елсин фарзандим, Душманни нимталаб бўлсин фарзандим.* «Равшан». *Шерали ҳозир уни нимталаб ташлашга тайёр эди, бироқ индамай, кўча эшиги томон илдам юриб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум.

НИМТА-НИМТА Бўлак-бўлак, парча-парча. *Ўзинг мардсан, Ғиротингни елгансан, Ғаним бўлса, нимта-нимта бўлгансан.* «Равшан».

НИМТАТИР 1 Унча қуюқ эмас, аччиқ эмас, суюқ (дамланган чой ҳақида). *Зумрад нимтатир, суюққина чойни ҳўплаб қўярди.* Ойбек, Зумрад.

2 Сал товланувчан, ўхшаш. *Аваз кўксини тўлдириб нафас олди. Гоҳ тўхтаб, нимтатир кўкиш уфқларга разм солди, кечаги осойишта кунини, бу ерда ўтажак осуда дамларини ўйлади.* С. Сиёев, Аваз.

НИМХУШК [*ф.* نیمخشک – ярим қуруқ, чала қуриган] Бир оз нами бор, намроқ, ҳўлроқ. *Нимхушк тупроқ.*

НИМЧА [*ф.* نیمچه – яримта; калта кийим] **1** Кўйлак устидан, костюм, камзул ичидан кийиладиган енгсиз ва ёқасиз калта ва ихчам кийим (асосан хотинлар кияди). *Эгнида узун қизил шоҳи кўйлак, кимхоб нимча, бошида шафтолиранг ёрқин товланган ипак дуррача.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *эск.* Тахминан 400 граммга яқин бўлган оғирлик ўлчови. *Нимча гўшт.* ■ *Бир қассобдан нимча қўй гўшти олиб келдим. Бу сабил ҳам эчки гўшти экан.* С. Айний. Эсдаликлар.

НИМЧИЛИҚ Яхши ривожланмаган, ўсмаган; заиф, нимжон, мажмағил. *-Сизга нима бўлди ўзи, сап-сариқ, нимчилиқ-ку.. Ё анави ўғил болани оламизми, кўҳликкина экан, – деди жувон эрига.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Бу ерда экин ғовлаган, бўйга зўр берган эмас ва оч ерда ўсган ёки парваришсиз қолган ўсимликдек пакана, нимчилиқ эмас.* Ойбек, О. в. шабадалар.

НИМЧОРАК [*ф.* نیمچاریک – ярим чорак; чоракнинг ярми] *эск.* Саккиздан бир, чоракнинг ярми. *Нимчорак қадоқ чой.*

НИМҚОРОНҒИ Ярим қоронғи, унчалик ёруғ ҳам, қоронғи ҳам эмас. *Эркин нимқоронғи, зах хонага ҳам, сукунатга ҳам аста кўника бошлади.* Т. Малик, Иблис девори.

НИНА *айн.* **игна.** *Шакархоннинг ангишвонаси тешилиб, бармоғига нина кириб кетмаганда, қўшиқ тонг отгунча янграши турган гап эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чиндан колхознинг нинасига теккан бўлса, туя қилиб тўлатаман. Биласан-ку қаттиққўллигимни!* С. Анорбоев, Оқсой.

Нинадай гап Арзимаган, аҳамиятсиз гап. *Гапни кўп чўзма, қаердалигингни биласанми? Нинадай гап бу ерда туядай бўлади-я! – деди Темир хотинига.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

НИНАЧИ Найчасимон тана тузилишига эга бўлган, қанотли ҳашарот тури. *Илонлардан ташқари турли хил ҳашаротлар: бешиктерватар, қора чигиртка, ниначи ва бошқалар ҳам ўз ривожланиши давомида қобиғини янгилайди.* «Фан ва турмуш». *Ўтўланлар устида оқ, сариқ капалаклар, қизил, бинафшаранг ниначилар учиб юрибди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

НИННИ *бол.* Янги туғилган бола, чақалоқ.

НИОБИЙ [*лот.* niobium < юнон мифологиясидаги Танталнинг қизи – Фива маликаси Ниоба (Niobe) номидан] Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қийин эрийдиган, коррозияга чидамли кулранг металл.

НИППЕЛЬ [*ингл.* nipple] **1** Қувур ва шлангларни, радиатор бўлакларини герметик улашга хизмат қиладиган, ҳар икки томони резьбали деталь. *Радиатор ниппели.*

2 Камералардан ҳавони чиқармайдиган мослама. *Велосипед камерасининг ниппели.*

НИСБАТ [*а.* نسبت – муносабат, алоқа; қариндошлик; ўзаро боғланиш; миқдор] **1** Нарсаларнинг бир-бирига қараганда катта-кичиклиги, оз-кўплиги ва ш. к. *Кучлар нисбати.* ▬ *..урушда қатнашаётган кучларнинг нисбати, мақсади кун сайин илмий асосда тушунтириб борилиши керак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *мат.* Бир соннинг иккинчи сонга қараганда қиёсий катталиги, бир соннинг иккинчи сонга бўлинишидан ҳосил бўлган бўлинма. *Икки миқдор ўртасидаги нисбат.*

Нисбат бермоқ Бирор кимса ёки нарсага олиб бориб боғламоқ; ўхшатмоқ. *Менинг жунунима Мажнунни бермангиз нисбат.* Нодира. *Ота-боболаримиз қадимда кўп жойларнинг номини дов-дарахтларга нисбат бериб қўйганлар.* Газетадан.

Феъл нисбатлари *тлш.* Ҳаракатнинг субъект ва объектга бўлган муносабатини кўрсатадиган феъл шакллари. *Феълнинг ўзлик нисбати. Феълнинг орттирма нисбати.*

НИСБАТАН [*а.* نسبتاً] *рвш.* **1** Бошқаларига қиёсан; қиёсан олганда. *Деворсиз боғнинг шимол томони чакалакзор бўлгани учун уни нисбатан озроқ қум босган.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *кўм. взф.* Айириб, таъкидлаб кўрсатишни ифодалайди; қараганда, кўра. *Маҳкамнинг босиқлиги эса уни Очилга нисбатан бир неча ёш катта кўрсатарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Каспий денгизида пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўпайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *кўм. взф.* Ҳаракат-ҳолатнинг нимага, кимга қаратилганлигини, муносабатини билдиради. *Элмуроднинг кўнглида, энди чолга нисбатан бўлган ҳалиги нафрат ўчиб, унинг ўрнига аянчга ўхшаш бир сезги пайдо бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НИСБИЙ [*а.* نسبى] **1** Бошқаларга қиёсан олинган ёки белгиланадиган; қиёсий, солиштирма. *Пахтанинг нисбий намлиги. Жойнинг нисбий баландлиги.*

2 Ташқи шароит, муҳит билан боғлиқ равишда ўзгарадиган; шартли. *Нисбий тушунча. Нисбий ҳақиқат (флс.).*

3 *тлш.* Нисбат, муносабат билдирувчи. *Нисбий сифат.*

НИСБИЙЛИК 1 Нисбий ҳолат, нисбий эканлик. *Тушунчаларнинг нисбийлиги.*

Нисбийлик назарияси Ҳозирги замон физикасида: фазо ва вақтнинг ҳар қандай физик жараён учун ўринли бўлган хусусиятлари ҳақидаги таълимот (20-асрнинг 1-чорагида америкалик физик А. Эйнштейн томонидан ишлаб чиқилган). *Нисбийлик назарияси – материя мавжуд бўладиган фазо ва вақт назариясидир.* «Фан ва турмуш».

2 *айн.* **нисбият.**

НИСБИЯТ [*а.* نسبيّت – нисбийлик] Нисбий катталиклар, муносабатлар мажмуи; нисбийлик. *Атомлар ичида электрон, протон очилган, нисбият назарияси ёзилиб, нашр этилган бир вақтда..* Газетадан.

НИСОР [*а.* نثار – ширинликлар, ҳадялар улашиш, тарқатиш] *кт.* **1** *айн.* **қурбон.** *Ёрингга, эй нигор, вафо қил, Жонингни эт нисор, вафо қил.* Ё. Мирзо.

2 *айн.* **чочиқ** II **2**. [*Навоий:*] *Ташаккур билдириб наққошингизга, Нисор этсам бу зарни бошингизга.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

НИСФ [*а.* نصف – ярим, яримта; ўрта] *эск. кт. айн.* **ярим.** *Агар берсам мунга гавҳар тахтимни, Оққиз, бўлмас, билгин, нисфи баҳоси.* «Равшан». *Чамаси, нисфи шаб асноси, дўстим деб, ёнида қиз, Султоналининг уйига келган.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

НИСФКОРЛИК [*а.* + *ф.* نصفه‌کارى – ярим ҳосилга, тенг шерикликка ишлаш] *айн.* **нимкорлик.**

НИТРАТЛАР [*қ.* **нитро**..] *ким. қ. х.* Нитрат (азот) кислотасининг тузлари: ўғит сифатида ҳамда дори-дармон ва портловчи моддалар ишлаб чиқаришда қўлланади.

НИТРИДЛАР [нитро.. + *юн.* eidos – тур, хил; кўриниш] *ким.* Азотнинг бошқа элементлар, асосан металлар билан ҳосил қилган бирикмалари.

НИТРО- [*юн.* nitron – селитра, сода] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи қисми: айни қўшма сўзнинг азотга, нитрат (азот) кислотасига алоқадорлигини кўрсатади, мас., *нитратлар, нитроглицерин.*

НИТРОГЛИЦЕРИН [нитро.. + глицерин] *тех. ким.* Нитрат (азот) кислотаси ва глицериннинг мураккаб эфири; рангсиз

ёпишқоқ суюқлик, кучли портловчи модда (ҳарбий техникада ва тиббиётда қўлланади).

НИТРОН [*қ.* **нитро**-] Таркибида азот бўлган оқ қаттиқ синтетик полимер ва ундан ишлаб чиқарилган пишиқ сунъий тола. *Нитрон толасидан тўқилган гиламлар жуда енгил, пишиқ ва кўркам бўлиб, оддий гиламларга нисбатан анча арзондир.* Газетадан.

НИФОҚ [*а.* نفاق – иккиюзламалик; мунофиқлик, риёкорлик; муғамбирлик] Келишмовчилик, ихтилоф, низо, жанжал. *Амирлик рутбасини қабул қилсам, баъзи улуғ зотларнинг кўнгли ранжур. Орада беҳуда сўз кўпаюр. Дўстлик ўрнига нифоқ вужудга келур.* Ойбек, Навоий. *Нигора билан Шербекнинг ораларига нифоқ солишда унинг ҳам қўли бордир.* С. Анорбоев, Оқсой.

НИФОҚЧИ Нифоқ туғдирувчи, нифоқ, низо солувчи; ғаламис. *Нифоқчи – одамлар ўртасига нифоқ ташлайди, коллективни бузади, таълим-тарбияни издан чиқаради.* Р. Усмонов, Одобнома.

НИШ [*ф.* نيش – ари, чаёнларнинг чақиш аъзоси; найза; бирор нарсанинг ўткир учи; чақиш, нина, найза санчиш] **1** Ўткир нарсанинг учи; найза. *Кўк стрелкаларнинг шаҳарга, тепаликлар ва катта йўлларга қаратилган найзалари.. ханжар нишидай армия мудофаасига санчилиб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Газандаларнинг чаққанда санчадиган аъзоси; ништар. *Йўлда чаён тошбақадек дўстига, Урди бир-икки нишини пўстига.* Ҳамза.

3 Эндигина униб чиққан (ўсимлик ёки куртак). *Тупроқни кўтариб турган ниш ғўза тагини аста кавлаб кўрсам, илдизи чирий бошлабди.* С. Маҳкамов, Шогирд.

Ниш урмоқ 1) нина, найза каби ўткир учли нарсани санчмоқ. *Қайнаётган қазига ниш урмоқ;* 2) ўсиб ер бағрини ёриб чиқмоқ (ўсимликлар ҳақида). *Аввал экинларнинг ниш уришидан хирмонгача бўлган жараённи тўрт кўз бўлиб кузатган бўлса, энди кишиларнинг қалбини, қарашини, руҳини ўргана бошлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар; 3) *кўчма* эндигина, янги пайдо бўлмоқ, туғилмоқ. *Мураббий – бола қалбида ниш ура бошлаган умид ғунчаларининг меҳрибон соҳибидир.* Р. Усмонов, Одобнома.

4 Тухумнинг учидаги ўткир бўртиғи, холи.

НИШАБ [*ф.* نشيب – қиялик, ёнбағир; пастлик, паст жой] **1** Юзанинг бирор томонга қиялиги; қиялик даражаси. *Нишаб ер.* ▬ *Янги қамиш босиб, лой билан сувалган томининг нишаби ҳовли томонда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *кўчма* Бирор гап-сўз, иш-харакатнинг мазмуни, йўналиши. -*Ўзим ҳам гапнинг нишабидан масалани тушунгандим, – деди Ботирали Неъматжонга.* Газетадан.

Нишабини ўзига оғдирмоқ (*ёки* **тўғриламоқ**) Фойдани, тушумни ўз томонига қаратмоқ. *Гулнор.. Мирзакаримбой хонадонига бошлиқ бўлиб кеккайсин, ҳеч ким билан сўзлашмасин, туғсин, бойликнинг нишабини ўз томонига тўғриласин!.. У жуда шайтон хотин.* Ойбек, Танланган асарлар.

НИШАБЛИК Қия жой; қиялик, ёнбағир. *Баширжон Қирмизхонни эргаштириб, нишабликдан бир-бир босганча, пастга туша бошлади.* Н. Аминов, Суварак.

НИШОЛДА Тухумнинг оқини етмак билан кўпиртириб ва шакар қиёми қўшиб тайёрланадиган кўпиксимон қуюқ оқ ширинлик. *Ота.. нишолдага нон ботирар, самоварчи унга гулдор пиёлада иссиқ, хушбўй чой узатиб турар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

НИШОЛДАЧИ Нишолда тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс.

НИШОН [*ф.* نشان – белги, из; муҳр, тамға; аломат; мўлжал; орден, медаль] **1** Атайлаб қўйилган ёки табиий белги; аломат. *Боланинг ўнг бетида нишони бор.* ▬ *Техник.. домланинг дарвозасига қизил нишон қўйиб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бирор нарсанинг изи, асари, *Кечаги ёмғирдан нишон ҳам қолмаган, хушбўй шабада, дилхуш манзара, оромижон табиат.* И. Раҳим, Ихлос. *Кубань бўйларидан изладим сени. Ўтди туну кунлар, топмадим нишон.* Т. Тўла.

3 Бирор нарсадан дарак ёки далолат берувчи белги. *Ясовуллар садоқат нишони кўрсатдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бу байроқ ҳар бир жангчи учун шон-шараф белгиси.. ғалаба нишони.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Ўқ узиш учун мўлжалга олинган (қўйилган) нарса; қора. *Ўқни нишонга бехато урмоқ. Нишонга олмоқ.* ▬ -*Тўғри қилгансиз, – деб уни қўлтиқлади комиссар, – жангчининг онги қайралса, ўқи нишонга бехато тегадиган бўлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

5 *кўчма* Бирор гап қаратилган объект; бирор гапдан кўзланган мақсад; мўлжал. *Иноят сўзининг нишонга бориб тегаётганидан мамнун.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

6 *эск. кам. қўлл.* Орден; медаль. *Кўкрагида яқинда олган «Меҳнат шуҳрати» нишони..* Газетадан.

7 Нишон (эркаклар исми).

НИШОНА [*ф.* نشانه – белги, из; асар, кўрсаткич, мўлжал] **1** *айн.* **нишон 1,2,3.** *Шукуржоннинг.. қуёшда куйган буғдойранг юзида қандайдир теран бир қайғунинг нишонаси бор эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Бек ва амир амалдорининг нарида туриб шивир-шивир қилаётганликларини Ҳасан овчи ёмонликдан нишона деб тушунди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Мевали дарахтнинг биринчи марта қилган меваси. *Олма нишона қилди.* ▬ *Ҳали нишона қилмаган мевани ҳисобга киритасанми? Аввал тарбия қил, гулласин, ундан кейин мевасига сават тўқисанг арзийди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

НИШОНДОР [*ф.* نشاندار – нишони, белгиси бор, белги қўйилган] **1** Нишони, белгиси бор, бирор белгига эга бўлган, белгили, белги қўйилган.

2 *эск. айн.* **орденли**. *Топиб бахту саодат қиз-йигитлар бизда меҳнатдан, Нишондор бўлдилар кўплар, бу унвон илму фандандир.* М. Ҳасанова. *«Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондорининг* [*О. Ҳакимовнинг*] *биргина армони бор.* Газетадан.

НИШОНЛАМОҚ 1 Байрам, қутлуғ кун ва ш.к. ни тантана билан ўтказмоқ, муносиб совғалар билан кутиб олмоқ. *Темир-терсак буюмлари заводининг директори эллик ёшга тўлди. Мана шу қутлуғ маросимни нишонлаш учун завод фаоллари клубга йиғилишди.* С. Аҳмад. Сайланма.

2 Белги, нишон қўймоқ, белгиламоқ. *Ер етилгандан кейин отам жўяклар жойини нишонлаб берди.* С. Айний, Эсдаликлар.

НИШТАР [*ф.* نیشتر – жарроҳ пичоғи] **1** Жарроҳларнинг кескир асбоби. *Ибн Сино ечиб ташлаган қонли яктагини кийиб, қўлида ништар билан ярадорнинг тепасига келди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 Умуман, ўткир ва санчиладиган нарса. *Душман заиф жойдан ништар уради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ништардан аччиқ ботди Темирдан бўлган жавоб.* Ғайратий.

3 *айн.* **ниш 2.** *Чаён заҳарли ништарини бир гал ўртанча бармоғининг учига, иккинчи марта кўрсаткич бармоғига санчиб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *кўчма* Ўткир, кучли. *Қуёшнинг ништар нури баҳор ёмғирида ўсган ўтларни қовжиратиб юборган.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

НИШХЎРТ [*ф.* نشخور – кавшаш, кавш қайтариш; чайнашга қайтарилган озуқа, ем] Ҳайвонларга берилган ем-хашак қолдиғи; чиқит. *Ашурмирзо бурчакда уйиб қўйилган нишхўрдлар устида беҳуш ётар эди.* М. Исмоилов, Фарғона т. о.

НИЯТ [*а.* نيّت – мақсад, ўй, мўлжал, ўйлаб қўйилган иш] Кўнгилдаги истак-орзу, аҳд, мақсад. *Яхши ният – ёрти мол.* Мақол. ▬ *Ожизамиз билан мирзо Анварнинг тўйларини қилмоқ ниятимиз бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *[Охун:] Беш-ўн қоғозни белимга тугиб, уст-бошимни бут қилиб, юртимга жўнаб кетай дегандим, ниятга ета олмай турибман.* Ойбек, Танланган асарлар.

НИҚОБ [*а.* نقاب – ёпинчиқ, юзга тутиладиган тўр] **1** Ўзини танитмаслик ёки ҳимоя қилиш учун юзга тутиладиган, кийиладиган нарса; маска. *Карнавал ниқоби.* ▬ *Унгур қазиётган боёқишларнинг юзлари чақмоқдан яра, ғурра бўлиб кетибди, шуни тутиб олиб ишлашсин, деб қилдим, – деди Қудрат, темир ниқобни чолларга узатиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эй моҳтоб, очгил ниқоб, Карнавалда янграр соз.* Т. Тўла.

2 Махсус тикилган жилд, қоплама. *Уч деразали катта кабинет, баланд суянчиқли стулларга, юмшоқ креслоларга оқ ниқоб ёпилган.* П. Қодиров, Уч юлдуз.

3 *кўчма* Ҳақиқатни, ҳақиқий ҳол, қиёфа ва ш. к. ни пардаловчи, яширувчи нарса, восита. *Ниқобини олмоқ.* ▬ *Ҳа, узоқ йиллар мобайнида [Эркиннинг отаси] большевик ниқобида юрган.* Т. Малик, Иблис девори. *[Мутавалли] Юзидаги ғазаб ва норозилик аломатларини жўрттага йўқотиб, ясама шодлик ниқобини кийиб олибди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Бу ҳол [Ҳомиднинг] сирини очар, юзидаги ниқобини олишга, рақиблар ила юзма-юз келишга мажбур этар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НИҚОБДОР [*а.+ф.* نقابدار – (юзида) ниқоби бор] *айн.* **ниқобли**.

НИҚОБЛАМОҚ 1 Ниқоб тутиб, таниб, билиб бўлмайдиган, кўринмайдиган қилмоқ.

Сувонжон қопқонни иннинг шундай олдигинасига, тулки бошини чиқариши билан бир парча гўштни кўрадиган қилиб ўрнатди. Ўтчўп билан ниқоблади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 *ҳарб.* Қўшинларни, ҳарбий объектларни душмандан беркитиш, ўз ҳарбий кучлари, уларнинг таркиби, жойлашиш ўрни ҳақида душманни чалғитиш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқ.

3 *кўчма* Яширмоқ, пардаламоқ. *Чет эллик баъзи арбоблар кейинги вақтларда зўр бериб ҳийла-найранг ишлатмоқдалар, ўз мақсадларини ва ниятларини ниқобламоқдалар.* Газетадан.

НИҚОБЛАНМОҚ Ниқобламоқ фл. мажҳ. н. *Ниқобланган душман.* ▬ *Йўлда ҳарбий юк ва аскар ортган машиналарнинг кети қарийб узилмас эди. Уларнинг ҳаммаси шохлар билан жуда моҳирона ниқобланган.* Ойбек, Қуёш қораймас.

НИҚОБЛИ Ниқоби бор, ниқоб кийган, ниқобланган.

НИҚТАЛАМОҚ Узлуксиз ниқтамоқ, ниқталайвермоқ. *Бола кучли оёқлари билан эшакни шундай ниқталадики, жонивор.. қаттиқ йўрғалаб кетди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

НИҚТАЛМОҚ Нигоҳини қаратмоқ, қаттиқ тикилмоқ. *Назир полвоннинг кўзлари ўзидан-ўзи чамадонга ниқталди.* «Шарқ юлдузи». *Мана ҳозир ҳам қурилишнинг оқсаб қолишига фақат Дониёров айбдордай, бош инженер фақат унга ниқталиб туриб гапирарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

НИҚТАМОҚ 1 Таёқ санчиб ёки оёқлари билан икки ёнига тепкилаб, юришга, илгарилашга ундамоқ (от-уловни). *У [отлиқ] шеригидан қолмаслик учун отининг тизгинини силтайди, оёғи билан унинг бағрига ниқтайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қўл ёки оёқ учи билан туртмоқ. *-Ғафлатда қолмай ўлинг, отаси, — деди эрининг бошига ниқтаб. — "Лайлатулқадр" бизларни иззат қилиб, ўз оёғи билан уйимизга кириб келган экан.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *Баланд бўйли, пахмоқ сочли, дов казак аскарлар халқни уриб, ниқтаб, орқага суришга киришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тиғизлаб жойламоқ, муштлаб тиқмоқ. *Қодир, ниқтаб пахта тиқилган қанорнинг оғзини тикиб, тарозига келтириб қўярди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

НИҲОЛ [*ф.* نهال — янги ўтқазилган, ўстирилган дарахт; қаламча] **1** Ёш новда ёки кўчат. *Ёш ниҳолга усталик билан қилинган пайванд тез амал олади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Янги униб чиққан ўсимлик, экин. *Ғўза ниҳоллари. Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳолидан парвариш қил!* Мақол. *Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра.* Мақол.

Нозик ниҳол 1) ёш новда ёки кўчат. *Нозик ниҳол дарахтлар;* 2) *кўчма* нозик қомат ва шундай қоматли киши. *Бежирим, келишган нозик ниҳолинг, Беқасам камзулинг ярашибди хўп.* Ҳ. Расул.

3 *кўчма* Етилмаган ёш нарса; мурғак, куртак. *Ғуломжоннинг кўнгли синди, йўқ, кўнгли эмас, умр орзусининг ниҳоли синди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ишдан қайтган чоғимда Қийқиради ўғилчам, — Ҳали ниҳол боғимда, Баргин ёзмаган ғунчам.* Ё. Мирзо.

НИҲОН [*ф.* نهان — пинҳон, яширин, махфий] *эск. кт.* Киши билмайдиган, сезмайдиган; яширин, пинҳон. *Муҳаббат кўнгил ичра эрди ниҳон, Бўлиб анга ҳар дам тилим таржимон.* Ҳабибий. *Бу гал эса кўзлардан ниҳон, Ўттиз тўрт газ минора нечун?* М. Али, Боқий дунё.

НИҲОЯ [*а.* نهایه — охир; чек, чегара] Сўнгги чек, чегара, охир, поён. *Ниҳоясига етмоқ. Ишни ниҳоясига етказмоқ.* ▬ *Бекнинг асабийлиги ниҳоясига етди ва у Лаълининг сочидан бураб, тераkзорга судраб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

НИҲОЯСИЗ Ниҳояси, охири, поёни йўқ; бениҳоя. *У онани қўлтиқлаб, ичкарига бошлади. Ҳозир буларнинг ниҳоясиз қувончларини тасвирлаш учун сўз топиш қийин эди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

НИҲОЯТ [*а.* نهایت — охир; чек, чегара] **1** *айн.* **ниҳоя.** *Элликбоши уруш ниҳоятида оқподшо ғолиб келишини исбот қилишга тиришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *рвш.* Ғоят, жуда, ниҳоятда. *Элмурод уларнинг овозларидан ўз ишларидан ниҳоят хурсанд эканликларини сезди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *крш. с.* Охир-пировардида, охири. *Ниҳоят, ҳар минути бир кундай туюлган бир соат вақт ўтгач, бутадан йигирма-ўттиз метрча берида қора каска кўринди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ниҳоят, улар ҳам чарчади шекилли, вагонга сукунат чўкди.* Газетадан.

НИҲОЯТДА *рвш.* Ғоят даражада, ғоят, жуда ҳам. *Ниҳоятда оғир масала. Ниҳоятда яхши иш.* ▬ *Бу гапни олтмишга бориб қолган бир чолдан эшитганлиги унга [Сидиқжонга] ниҳоятда наша қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НИҲОЯТИ Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи, атиги, фақатгина. -*Ота, — деди Салим жеркиб, — бу нарса кўпга келган тўй. Ўғлингиз ниҳояти бир неча ой ишлаб қайтади. Нимасига қайғурасиз?* Ойбек, Танланган асарлар. -*Ўғлингни ўлимга олиб бораётганим йўқ, ниҳояти бир пиёла чой ичади-ю келади! — дедим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НИҲОЯТСИЗ *айн.* **ниҳоясиз**. *Унсин қабр тупроғига гоҳ бошини, гоҳ кўксини қўйиб, ўлчовсиз, ниҳоятсиз қайғу билан узоқ йиғлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

НО- [*ф.* نا — эмас, йўқ; инкор маъносини ифодаловчи префикс] Қарама-қарши, инкор маънодаги сўзлар ясовчи олд қўшимча; ўзакдан англашилган белги-хусусият йўқлигини, шундай белги-хусусиятга эга эмасликни билдиради, мас., *ноаниқ, ноилож, нопок* каби.

НОАЁН [но.. + аён] Аниқ бўлмаган, номаълум. *Ранги ҳам, туси ҳам ноаён дунё, Қирқми ё эллик бу, умр ўртаси.* А. Орипов, Йиллар армони.

НОАНИҚ [но.. + аниқ] **1** Унча аниқ, равшан бўлмаган, ҳақиқатдагига унча мос келмайдиган. *Ноаниқ тасвир.* ▬ -*"Мажара" эмас, "можаро", яъни жанжал деган сўз, — деди [Элмурод] бир гал болаларнинг бир шеърдаги шу сўзни ноаниқ талаффуз қилганларидан ғаши келиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Унча ишонарли эмас, шубҳага, иккиланишга ўрин қолдирадиган. *Ноаниқ гап. Ноаниқ маълумотлар.*

3 *кесим взф.* Шубҳали, гумон. *Келиш-келмаслиги ноаниқ.*

4 Мўҳмал, мужмал, дудмол. *Ноаниқ жавоб.*

НОАНИҚЛИК Ноаниқ хусусиятга эгалик, аниқ эмаслик, номаълумлик. *Врач чиқиб кетгандан кейин, Мамлакатнинг кўнглини ғашликми, ноаниқликми, ишқилиб, ғалати бир туйғу қамраб олди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

НОАҲИЛ [но.. + аҳил] Бир-бири билан унча аҳил бўлмаган; ноиноқ. *Ноаҳил оила.* ▬ *Водокачкалардан бирини тиклашда.. ўшанчалик ноаҳил бўлган капсанчилар ҳозир бунчалик иттифоқ бўлиб қолганларига ўзлари ҳам ҳайрон эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НОБАКОР [*ф.* نابکار — ишга ярамайдиган; ёвуз, баттол; ахлоқсиз; бекорчи] **1** Хулқ-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати ёмон одам. *Биласизки, чиқиб Ниёз баччағар, Атрофига йиғилди қулбаччалар. У нобакор озор берар тинч халққа, Кирдикори нуқул зарар тинч халққа!* И. Султон, Номаълум киши.

2 *сўк.* Ярамас, аблаҳ, разил.

НОБАКОРЛИК Нобакорга хос хусусиятга эгалик, нобакорга хос хатти-ҳаракат. *Қулмуҳаммад ёнида турган Пирназар ота ҳам ялт этиб қараб, нима деяётганига тушунгач, «бу қандай нобакорлик», деб кўзларига ғазаб тўлди.* Мирмуҳсин, Бибигул.

НОБОП [*ф.* ناباپ — мос, мувофиқ эмас; ярамас; яроқсиз] Унча мос, мувофиқ эмас; қўл келмайдиган, номувофиқ, яроқсиз. *Нобоп жой. Нобоп ер.* ▬ *Айрим қишлоқ кутубхоналари нобоп ва кўримсиз хоналарга жойлашган.* Газетадан.

2 Унчалик шай эмас, бузуқ. -*Деҳқон ака, эҳтиёт бўлинг, аравангиз нобоп.. — бошини чайқаб гапирди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нобоп йўлнинг, нобоп машинанинг заҳматидан Темиржоннинг бутун суяклари зирқираб оғрир, қулоқлари шанғилларди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Хулқ-атвори, юриш-туриши ёмон, ярамас. *Нобоп одам.* ▬ *Йўқ, у бола кўп нобоп чиқди, шариатга шак келтирадир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Нотинч, ноқулай. *Бир оз жимликдан сўнг Равшан гапира бошлади: -Бўри ака, замон нобоп, деб тунов кун Абдураҳмон ака айтган гаплар қулоғим остидан ҳали-ҳали сира нари кетмайди. Атрофга қараб, одамни ваҳм босади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

НОБУД [*ф.* نابود — мавжуд бўлмаган, йўқ қилинган]: **нобуд бўлмоқ** 1) исроф бўлмоқ, бекорга йўқ бўлиб кетмоқ. *Пахтанинг бир грамми ҳам нобуд бўлмасин;,* 2) ҳалок бўлмоқ; ўлмоқ. *Уруш йиллари ташкилотнинг кўп аъзолари нобуд бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Нобуд қилмоқ** 1) яроқсиз ҳолга келтирмоқ, ишдан чиқармоқ. *Мулла Обид билан Усмон полвон қулунли бияни миниб юришга қарши, чунки қулунлар ғўзани босиб нобуд қилади,*

дейдилар. А. Қодирий, Обид кетмон; 2) ўлдирмоқ, ҳалок қилмоқ. *Хотинимни ҳам камбағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОБУДГАРЛИК *кам қўлл. айн.* **нобудгарчилик**.

НОБУДГАРЧИЛИК Бекорга йўқ қилиб юбориш, нобуд қилиш, исрофгарчилик. *Нобудгарчилик – халқ хўжалиги учун зарар.*

НОВ [*ф.* ناو – қувур ёки ёғоч тарнов; сув йўли] **1** Сув оқиши учун ёғоч, тахта, цемент ва ш.к. дан ишланган махсус ўзан; тарнов. *Сув шунча кучайган эдики, новни қўпориб, тегирмонни босиб кетиш хавфи туғилган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Суғориш ёки умуман сув сақлаш учун ёғоч, тахта, цемент кабилардан ишланган охур; тегана. *Нўъмон движокни ишга солиб, бир-бирига шохлари тегиб турган садалар остидаги новларни сувга тўлдира бошлади.* О. Ҳусанов, Най.

3 *геогр.* Океанлар остидаги кўпинча узун чўзилган чуқур ботиқлар. Масалан, *Мариана нови, Ява нови.*

НОВА [*ф.* ناوه – елкага қўйиб, лой ёки қоришма ташиладиган тоғорача] *айн.* **нов.** *Лойқа оқиб ўтадиган praнованинг ёнига борганимизда, мастер тўхтади ва менга юзланди.* П. Қодиров, Эрк.

НОВАТОР [*лот.* novator – янгиловчи, янгилик яратувчи] Кишилик фаолиятининг бирор соҳасида янгича илғор принцип, ғоя, усул киритувчи ва уни амалга оширувчи. *Ишлаб чиқариш новаторлари.*

НОВАТОРЛАРЧА *рвш.* Новаторларга ўхшаб, янгичасига. *Эндиликда эскича андозалар, эскирган усуллардан қатъият билан воз кечиш, ишга новаторларча ёндашувлар талаб қилинади.* Газетадан.

НОВАТОРЛИК Кишиларнинг бунёдкорлик фаолиятидаги, новаторлар фаолиятидаги янгилик; новаторга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Новаторлик таклифлари.* ▬ *Драматург бу ерда новаторлик йўлидан боради, яъни асарни тўппа-тўғри биринчи пардадан бошлайди.* С. Аҳмад, Сайланма.

НОВВОЙ [*ф.* نانوا – нон пиширувчи, нон сотувчи] Нон ёпиш, пишириш ва сотиш билан шуғулланувчи шахс. *Япасқи новвой ҳар кун пешин вақтида иккита ширмой нонни бойга ташлаб кетар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тандирдан янги узилган обинонларнинг ёқимли ҳидларини сочиб.. новвойлар шипиллаб ўтадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НОВВОЙЛИК 1 Нон ёпиш касби, нон ёпиш билан шуғулланиш. *[Йўлчи:] Қалай, новвойликдан бир нима ортадими?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *тар.* Нон ёпиладиган ва сотиладиган жой. *-Рўмолчани елкага солиб, новвойликка қараб югурдим, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

НОВВОЙХОНА [*ф.* نانواخانه] Нон ёпиладиган, пишириладиган жой. *Зумрад дадасининг новвойхонасидаги хамир қорадиган йигитлардан бирини яхши кўриб қолган эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

НОВВОС Икки-уч яшар буқа. *Чап томонимиздаги тикка тақир тоғ бағридаги бутазорда гала-гала новвослар ўтлаб юрибди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

НОВВОТ I [*ф.* نبات – кристалл шаклли қанд, шакар] Шакар қиёмидан махсус тайёрланадиган ялтироқ кристалл қаттиқ оқ ёки сарғиш ширинлик. *Новвот чой.* ▬ *Матлуба хонага кирганда, Асқар Аминович олдида бир ликопчада новвот, дўнг пешонасида маржон-маржон тер, фамил чой ичиб ўтирарди.* О. Ёқубов, Излайман.

НОВВОТ II *махс.* Тўқимачилик дастгоҳида: тайёр мато ўраладиган ёғоч валик.

НОВВОТРАНГ Сарғиш-қўнғир ёки оқ ранг, новвот рангига ўхшаш. *Гув-гув шамол.. эшик тирқишидан уйга кириб, чироқ пилигининг новвотранг алангасини липиллатади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

НОВДА Дарахтнинг ёш, ингичка ва узун, бебутоқ тармоғи. *Тол новдаси. Ток новдаси.* ▬ *Чарос эллик қадамча юриши билан кўча четидаги, новдаларини шода-шода қизғиш гуллар қоплаган шафтоли тагида турган Дилшодни кўриб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Моҳирона хомток қилинган новдалар, сийрак япроқлар оралаб ерга танга-танга қуёш ёғилади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 *кўчма* Ёш, нозик. *Кўнгли сув ичиб қолибди-да, болагинамдан айланай. Келин ҳам новдагина, ўйинчи бўлса ҳам, камсухан, шикасталигини айтмайсизми!* А. Мухтор, Асарлар.

НОВЕЛЛА [*итал.* novella – янгилик < *лот.* novus – янги] *ад.* Насрнинг кичик жанри, кичик ҳикоя. *Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида сатирик новеллага асос солдигина эмас, у 20-йиллардаёқ биринчилардан бўлиб иккита катта роман – «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»ни ёзди.* Газетадан.

НОВЕЛЛИСТ [*итал.* novellista] Новелла ёзувчи ижодкор; новелла муаллифи. *Моҳир новеллист Абдулла Қаҳҳорнинг 30-йиллар ижодини ўтишдан олдин ўқитувчи ёзувчининг замондошлари хотирасини ўқиб, ўрганиши керак.* Газетадан.

НОВОКАИН [*лот.* Novocainum < *лот.* novus – янги + (ко)каин] *фарм. тиб.* Сунъий йўл билан олинадиган ва таркиби жиҳатдан кокаинга яқин бўлган, сувда ва спиртда яхши эрийдиган рангсиз ва ҳидсиз кристалл дори; оғриқ қолдириш хусусиятига эга. *Новокаин қонга юборилганда, умумий таъсир кўрсатади.* «Фан ва турмуш».

НОВУТ *с. т.* Нобуд. [*Заргаров:*] *Жоним! Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турибди – бекорга новут бўлиб кетаман.. Менга раҳм қилинг!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

НОВЧА I Бўйи баланд, дароз, узун. *Новча йигит. Бўйи новча одам.* ▬ *Ҳокимнинг новча, ҳайбатли қомати олдида.. Тешабой ҳам одамлар назаридан четда эмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Новча тераклар учида ойнинг кумуш парчаси сузади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

НОВЧА II *тар.* Қарол, хизматкор. *Улар қишлоқдан чиқиб улгурмасданоқ, қариндош бойнинг новчалари кетмон кўтариб келиб, сотиб олинган уйларнинг том тупроғини кўкка совуриб буза бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қанча бойникида новча бўлиб ишладим-у.. Ҳамма ерда тўғри ишладим.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

НОВШАДИЛ [*а.* نشادر] *с. т.* Нашатир. *Фарғона водийсида, айниқса Ўзганда кўп миқдорда новшадил қазиб олинган ва чет мамлакатларга ҳам сотилган.* «Фан ва турмуш».

НОГАҲ [*ф.* ناگه – кутилмаганда, бирдан, тўсатдан] *айн.* **ногаҳон.** *Тегмасин ногаҳ маломат ўқлари, Сезгиру ҳушёр бўл оҳу каби.* Ҳабибий.

НОГАҲОН [*ф.* ناگهان – тўсатдан, бирдан; кутилмаганда] Кутилмаган, тўсатдан, қўққисдан юз берган. *Балои ногаҳон.* ▬ *Оқсоқол сўзини тугата олмайди, ногаҳон келиб тушган ўткир болта Шодмонбойнинг бошини баравар иккига бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

НОГАҲОНИЙ [*ф.* ناگهانی – кутилмаган, тўсатдан, бехосдан бўлган, тасодифий] *сфт.* Кутилмаганда юз берувчи, юз берган, кутилмаган. *Бу ногаҳоний қазодан эслари чиқиб кетган бечоралар йиғлашадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмаджон билан Маннон бу ногаҳоний кулгидан довдираб қолишган эди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

НОГИРОН [*ф.* ناگیرا – таъсир қилмайдиган, таъсир ўтказиш қобилияти йўқ] **1** Ишга яроқсиз бўлиб қолган, ожиз (одам ёки унинг аъзолари ҳақида). *Ногирон бола. Унинг бир қўли ногирон.* ▬ *Пўлатжон.. ногирон оёғига қараб хўрсиниб қўйди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ўшанда у полиомиелит касаллигига қарши эмлаш жараёнида шифокорнинг қўпол хатоси туфайли ногирон бўлиб қолганди.* Газетадан.

2 *кўчма* Нотўғри фикр юритадиган, тўғри фикрга эга бўлмаган. *Ёшлар ўртасида танбаллар, маънавий ногиронлар, ношукурлар ҳали ҳам бор.* Газетадан.

3 *кўчма* Яроқсиз бўлиб қолган, камчилиги бўлган. *Эскирган ва ёшини яшаб бўлган ногирон ускуналар ғишт заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига ҳам таъсир қилаётганлигига чидаб бўлмайди.* Газетадан.

4 *кўчма* Юмуқ, ожиз. *Ногирон ғунчалар ҳам бирин-сирин очила бошладилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

НОГИРОНЛИК Ишга яроқсиз бўлиб қолишлик; тўғри фикрлай олмаслик. *Руҳий ногиронликни тузатиш қийин.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

НОГОҲ [*ф.* ناگاه] *с. т.* Ногаҳ. *Ногоҳ бурчакдан қўнғироқли чирманда гулдураб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОГОҲОН [*ф.* ناگاهان] *с. т.* Ногаҳон.

НОДАВЛАТ [но.. + давлат] *сфт.* Давлат тасарруфида бўлмаган. *Нодавлат сектор. Нодавлат ташкилот.* ▬ *Республикамизда минглаб нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.* Газетадан.

НОДАВРИЙ [но.. + даврий] Мунтазам бўлмаган, узлуксизлиги таъминланмаган. *Рустам ака бир неча йиллардан бери нодав-*

рий нашрлар бўлими мудири вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Газетадан.

НОДАРКОР [*ф.* نادرکار – кераксиз, ишга яроқсиз; ишга алоқаси бўлмаган] Кераги, даркори йўқ; кераксиз. *Нодаркор қоғозлар.*

НОДИР [*а.* نادر – сийрак; кам учрайдиган, камёб] **1** Кам топиладиган, ноёб. *Нодир қўлёзма.* ▬ *-Нодир ўлка, ҳатто таърифлашга сўз тополмайсан, – деди Комарова.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Қимматбаҳо, бебаҳо, асл. *-Хазина! – деди Заргаров кафтларида салқин нодир тошларнинг салмоғини сезиб. Кўзларида ҳам кристалларнинг товланиши бордек эди.* А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат. *Зумрад бармоғини силади; нодир узук бармоғини, йўқ, юрагини сиқаётгандек бўлди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 Кам учрайдиган.

Нодир металлар Ер қатламида жуда кам учрайдиган элементларнинг шартли номи. *Ўзбекистон – рангли, нодир металларга бой ўлка.* Газетадан.

4 Нодир (эркаклар исми).

НОДОН [*ф.* نادان – билмайдиган, хабарсиз; жоҳил, илмсиз; калтафаҳм, бефаросат] **1** Илм-маърифатдан хабари йўқ, онги, тушунчаси паст; ўқимаган, билимсиз; қолоқ. *Нодон одам. Сўзлагувчи нодон бўлса, эшитгувчи доно бўлсин.* Мақол. ▬ *Наҳотки мана шу ерда ўтирган студентлар Юнусов ўйлаганчалик нодон бўлса?!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Фаҳм-фаросати кам; тушунмайдиган, тентак. *Ажаб бўлди! Оёғининг тагига ўлигингни ташлагин энди, ўз қадрини билмаган нодон.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

НОДОНЛИК 1 Билимсизлик, онги пастлик; жоҳиллик. *Мунозара деб ҳар қанақа куракда турмас гапларни айтавериш ғирт нодонлик аломати.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Нодон кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш; аҳмоқлик. *Опа, кечирасиз-да, янглишиб бир нодонлик қилиб қўйдим.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

НОДУРУСТ [*ф.* نادرست – нотўғри, хато, сохта; бузуқ, шикастланган] Унчалик дуруст эмас; чакки. *Шу дуруст бўлдими, нодуруст бўлдими? Сени ўйлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

НОЁБ [*ф.* نایاب – топилмайдиган, танқис, камёб] **1** Кўп учрамайдиган, жуда кам бўладиган. *Ноёб талант эгаси бўлган Юсуфжон қизиқ ўз халқининг азиз фарзандларидан биридир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Қимматли, бебаҳо. *Ноёб қўлёзма.* ▬ *Қадимда нашр этилган энг ноёб асарлар аҳолидан сотиб олинади.* Газетадан.

НОЖИНС [но.. + жинс] **1** Бошқа жинсдаги, жинси номаълум.

2 *кам қўлл.* Ярамас, ёмон; пасткаш, разил. *У муртад атрофига аллақандай таги паст, ножинсларни тўплаб, подшога, ҳоким тўрага, қолаверса, бизнинг манфаатларимизга зид келадиган гапларни тарқатиш билан одамлар ўртасида нифоқ уруғларини сочмоқда.* К. Яшин, Ҳамза.

НОЖОИЗ [но.. + жоиз] Ўринсиз, муносиб бўлмаган. *-Чунки юртга пахта керак, – кўрсаткич бармоғини кўкка ниқтаб гапирди Иззат Маржонович, – буни инкор этиш сиз билан бизга ножоиз.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

НОЖЎЯ [*ф.* ناجویا – қидирилмаган, исталмаган] Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, умумий тартибга муносиб бўлмаган; чакки. *Ножўя гап. Ножўя хатти-ҳаракат.* ▬ *Баҳодир ножўя ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ ўкинар, лекин иш ўтган эди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ.

2 Ҳақиқатга мос эмас, нотўғри. *Табибийнинг гапи ножўя бўлиб, бир чаламулла боланинг сўзлари эътиборга лойиқ десангиз, миннатингиз бош устига, хоним.* С. Сиёев, Ёруғлик.

НОЗ [*ф.* ناز – таннозлик, карашма, истиғно; ҳузур, маза; неккайиш; инжиқлик; мулойимлик] **1** Танноз аёлларга хос сериш ва ҳаракат, қилиқ; ишва, карашма. *Ноз қилмоқ.* ▬ *Сўз билан, ноз билан, ҳангома билан йигитларнинг кўкрагига ўт солади қирғиз қизлари.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дилбар қизнинг қилиғи, нози яхши, Сўзнинг ози, машшоқнинг сози яхши!* Ё. Мирзо.

2 Ўз қадрини ошириш учун қилинадиган ноўрин талаб, ортиқча эркалик; таранг қилиш. *Қизи борнинг нози бор.* Мақол. ▬ *Касали нима, озиб кетибди келинчак онамиз? – Муғамбирлик, эркалик, ноз!* Ойбек, Танланган асарлар. *[Нури] Йўлчини ёдларкан, унинг юрагида энди ғазаб қўзғалар эди.. Ким у? Нега мунча ноз қилади, неккаяди?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Нозик; жиззаки. *Бошим тоз, кўнглим ноз.* Уйғун.

Ноз уйқу Нозли, ҳузурли, ширин уйқу.

4 *кўчма* Майинлик. *Гулларда ноз, Елларда ноз, Кел, чаманда қил парвоз!* Т. Тўла, Оромижон.

НОЗАНДАЙ, **=дек** *с. т. х.-қ.* Ёмон эмас, туппа-тузук, дурустгина. *-Хотиржамгина ишингни қила бер, болам, Муҳаббатинг нозандек ўрганиб қолди янги жойга, — деди кампир.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

НОЗАНИН [*ф.* نازنين — мулойим, ёқимли; танноз; суюкли; гўзал] Қадди-қомати келишган ва гўзал (қиз, аёл ҳақида). *Ана шу йигитнинг [Отабекнинг] олган хотини жуда ҳам нозанин бир қиз бўлиб, бу қизга бизнинг Ҳомид ҳам харидор экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Бой:] Ҳе пишмаган, хом калла! Бу нозанин увол! Чўриликка эмас, бекачликка арзийди-я!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

НОЗИГАРДОН [*ф.* نازگردان — бўйин безаги] Аёлларнинг бўйинга тақадиган тақинчоғи; заргарлик буюми. *Зийнат қутисидай жимирлар шаҳар, Нозигардон мисол чироқлар яшнар.* Т. Жўраева, Менинг маржонларим.

НОЗИК I [*ф.* نازک — ингичка, енгил; юмшоқ, мулойим; мўрт, бўш; нафис] **1** Юксак маҳорат ва санъат билан жуда бежирим қилиб ишланган; нафис, латиф. *Искандаро ҳавас ва таажжуб билан биноларга, бой жиҳозларга, айниқса, нозик санъат буюмларига, эшик ва деразаларга назар ташлаб қўярди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Ингичка; юпқа, ҳарир. *Нозик ип.* ▬ *Дуторнинг нозик торларидан.. чиққан "Наво" куйи ўз ноласига тушунгувчи Отабекдек йигитларга жуда муҳтож эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Юпқа, ҳарир. *У гунафша гулли нозик батис кўйлак кийиб, чойшабни томоғигача тортиб, журнал ўқиб ётарди.* Ойдин, Ҳикоялар.

4 Бежирим, латиф; хипча. *Момиқ пахталар унинг нозик бармоқларига ўзи илашиб чиқар, чаноқлар ҳайратдан оғиз очиб, силкиниб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йигит маҳбубасининг нозик қўлларидан тутиб, ўзига тортарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мурзин унинг паришон сочларини, нозик бўйнига ёпишган майин, жонсизгина соч толаларини томоша қиларди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

5 Заиф, нимжон. *Нозик майса.* ▬ *Укамни дуруструқ жойга ўрнаштиринг, ўзи нимжон, нозикроқ бола.. шамоллаб-нетиб қолмасин.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нозик, ранг-баранг парвоналар, капалаклар лампа атрофида айланар.. эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Мулойим, майин ва ёқимли, назокатли. *Нозик табассум.* ▬ *"Дилхирож" ўзининг майда қадами, нозик ҳаракатлари билан даврага кириб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Халқ кўнглини овлаган, Улфатда доим. Овози жонга ёқар, Нозик, мулойим.* Қ. Муҳаммадий. *У куйининг сеҳрига берилиб, интизор кўзларини нозик юмди, бошини қуйи солди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

7 Салга синадиган, узиладиган, йиртиладиган; бўш, мўрт. *Нозик буюм.* ▬ *Олимовнинг қўлидаги юклар ҳамманикидан оғирроқ, нозикроқ эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

8 *кўчма* Ўзига хос қийинчиликлари бўлган, алоҳида маҳорат, малака, билим талаб этадиган. *Ғўза суғориш — нозик иш.* Ойбек, О. в. шабадалар.

9 *кўчма* Ўз ишини майда икир-чикирларигача яхши биладиган; уста. *Секретарнинг отаси.. нозик гулчи эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

10 *кўчма* Алоҳида эҳтиёткорлик талаб этадиган; қалтис. *Нозик масала. Нозик пайт. Нозик аҳвол.* ▬ *Асрора ўйлаб қараса, кўнгил иши нозик нарса экан.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Кейинги пайтда замон нозик бўлиб қолди, — афсус билан бош чайқарди Ўсар бухгалтер.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Бўлмаса, сельпо раислигидай нозик лавозимда ўн-ўн беш йил муқим ишлаш осонми?!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

11 *кўчма* Алоҳида эътибор, мулозамат, такаллуф талаб этадиган, иззатталаб. *Нозик меҳмон.* ▬ *-Хўжайин банд, олдиларида нозик одам бор. Мажлис қилишяпти, — деди секретарь.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

12 *кўчма* Қичиқли; инжиқ. *Бобоқулнинг кўзларидаги нозик киноя унинг иззат-нафсига ханжардек қадалди.* Ойбек, Навоий.

Нозик табиат (нозиктабиат) *ёки* **табиати нозик** Кўнгли ҳар нарсани ёқтиравермайдиган, кўтаравермайдиган; инжиқ, эрка. *Шу қадар зиқ, нозик табиат бўлиб қолгани учун Бегимхон кўп дакки эшитди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Кўнгли нозик** *айн.* **нозик табиат**. **Нозик дид** *ёки* **диди нозик** Жуда ҳам сезгир,

нафосатни теран ҳис қилувчи; туйғун. *Нозик дидли рассомларни ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] хаёлини банд этди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Нозик жойи** Камчилиги, айби. *Азиза Ёдгорнинг нозик жойларини яхши билади. Шунча кўргиликлари эвазига эридан қасос олишга аҳд қилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

13 Нозик (хотин-қизлар исми).

НОЗИК II [*ф.* نازک – ингичка, енгил; кичкина] Каштачиликда ишлатиладиган ранг-баранг майда, нафис мунчоқ. *Чойхоначи.. ипак тўри ранг-баранг нозиклар, пистонлар билан безалган тўрқовоқларни.. чакалакка осган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ёстиғи устига нозик гулли тўр ёпилган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

НОЗИКЛАШМОҚ 1 Нозик, бежирим бўлиб қолмоқ, хипчалашмоқ.

2 Нозик, жони бўш, чидамсиз бўлиб қолмоқ. [*Учқун:*] *Кабинетда ўтириб нозиклашиб қолганини эндигина сездим.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

3 *кўчма* Танг, қалтис бўла бормоқ. *Аҳвол нозиклашди. Масала нозиклашди.*

НОЗИКЛИК Нафислик, назокат; қалтислик; мўртлик. *Асарда ёзувчи табиат манзараларини жуда уста рассомдек нозиклик билан чизади.* С. Аҳмад, Сайланма. *Масаланинг нозиклигига учовлари ҳам тушунарди ва шунинг учун иттифоқ қилгандек, чуқур бир сукутга кетган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НОЗИКНИҲОЛ I [нозик + ниҳол] Бежирим, латиф ва ёш. *Шунда ўзбек қизи – сен нозикниҳол, Ҳуснингни бахш этдинг юрт чиройига.* Т. Жўраева, Менинг маржонларим.

НОЗИКНИҲОЛ II Мураккабгуллилар оиласига мансуб, гуллари оқ, пушти, қизил, сариқ, бир ёки кўп йиллик манзарали ўсимлик; экма гул тури.

НОЗИКТАЪБ [*ф.* + *а.* نازگی‌طبع – нозик табиатли, ҳиссиётга берилувчан] Нозик таъбли, таъби нозик. *Нозиктаъб шоирлар қасидасида, муғаннийлар қўшиғида Найманча таърифланган.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

НОЗИКФАҲМ [нозик + фаҳм] Жуда ҳам сезгир, туйғун фаҳмловчи. *-Хўп.., хўп.. майли, олам кезган нозикфаҳм шоирсиз. Қулоғим сизда, гапираверинг, – деди хунук илжайиб.* К. Яшин, Ҳамза.

НОЗИР [*а.* ناظر – кузатувчи; мудир, бошлиқ; назоратчи; вазир] **1** Назорат қилиб турувчи; назоратчи, қаровчи, мудир. *Қироатхонанинг бир нозири бўлиб, газетхон, китобхон ўқувчилардан йигирма тийиндан ҳақ олиб турарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Бажарилаётган иш-ҳаракатнинг тўғрилигини, мавжуд қонун, қарор ва низомларга риоя қилиб амалга оширилишини назорат қилувчи мансабдор шахс, инспектор. *Солиқ идораси нозири.*

3 *эск.* Вазир, министр. *Валихон мерган парини Бухорога элтишни, олий ҳазратларининг ўзларига совға қилишни, эвазига тезроқ нозир ёки қушбеги бўлишни хаёлидан ўтказди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

НОЗ-ИСТИҒНО, нозу истиғно Ноз ва истиғно, ноз ва эркалик(лар). *Дуркунгина келишган қадди-қоматига кўплар суқланиб боқар, ўз навбатида, Зарифа ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ноз-истиғно билан муомала қиларди.* С. Кароматов, Олтин қум.

НОЗ-КАРАШМА, нозу карашма Ноз ва карашма; ноз ва ишва(лар). *Тўранинг кўнглига шу пайтда на гўзал ёш хотиннинг таъзими, на унинг ноз-карашмаси ва на безаклари сиғар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Лаъли ўрнидан туриб, сочларини тузатди. Чироқни пасайтирди-да, ноз-карашма билан "Бўлди, ухланг!" деди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

НОЗЛАНМОҚ 1 Ноз қилмоқ, ноз-ишва, ноз-карашма қилмоқ. *Йигиталининг саволи жавобсиз қолди. -Шиппакни олиб беринг, – деди қиз яна нозланиброқ.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Эркалик, тантиқлик қилмоқ; таранг қилмоқ.

НОЗЛИ 1 Ишвали, серишва; танноз. *Юлдузхоннинг нозли кўзларидаги сирли маъно Муҳиддинни мафтун этди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *-Вой, сиз эплаёлмасангиз, ким эплай оларди? – жувон Хўжабековнинг кўзларига нозли боқди-да, ерга қараб олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ортиқча эркалик талаб қилувчи, нози бор.

НОЗ-НЕЪМАТ Кишига Оллоҳ томонидан табиат орқали инъом этилган неъматлар, анвои мева, озиқ-овқатлар. *Дастурхон турли ноз-неъматлар билан беза-*

тилган. ▬ *Баҳорлари, ёзлари Бир-биридан ортиқдир, Мазали ноз-неъмати Халқимизга тортиқдир.* З. Диёр.

НОЗ-ФИРОҚ, нозу фироқ Ноз ва фироқ; ноз ва фироқлар; эркалик ва тантиқлик. *Шариф, ўзимизнинг ёшлигимизни эсласанг-чи. Ноз-фироқ қилиб, мени куйдирган чоғларинг.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. *-Э, ҳали ҳам ғўр экансан, болам. Дунёда хотин зоти борки, унинг ноз-фироғи бўлмай иложи йўқ, — деди Салтанат Эргашга.* Б. Раҳмонов, Қилмиш-қидирмиш.

НОИБ, нойиб [*а.* نائب — ўринбосар, ёрдамчи; депутат] **1** *тар.* Ўрта асрларда мусулмон давлатларида тобе ўлка ёки вилоят ҳокими, олий ҳукмдорнинг шу ердаги вакили, ўринбосари. *Ноиб унга ишониб топширилган ҳудуднинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳолати учун масъул ҳисобланган.* «ЎзМЭ».

2 *эск.* Ўринбосар, ёрдамчи. *Сен вилоятнинг ҳокими бўлсанг, мен сенинг ноибинг бўламан.* С. Айний, Дохунда. *Хато кетмай, сақлагин, эй яратган! Бу ўша-ку, қочқин бекнинг ноиби.* Миртемир, Асарлар.

НОИЛ [*а.* نائل — олувчи; туҳфа, совға; фойда]: **ноил бўлмоқ** *эск. кт.* Эришмоқ, етишмоқ, муяссар бўлмоқ. *Қуруқ томоша билан кечган унинг ой, йиллари бу кун Раъно гулини искаш башоратига ноил бўлгандек эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

НОИЛОЖ [но.. + илож] *рвш.* **1** Ўз майлига, эркига, хоҳишига қарши, истаги бўлмагани ҳолда, мажбурият орқасида, мажбур бўлиб, мажбуран. *Маҳкам офтобдан кўзини қисиб, унга қаради-да, жавоб ўрнига қўлини ёйди ва ноилож кулумсиради.*

2 Бирор илож, чора топа олмай, чорасиз, иложсиз. *Бу орада қолган ўн тўрт томошабин бетоқат чапак чалиб, парда очилишини талаб қила бошлади. Администратор ноилож директор кабинетига кириб, бўлган воқеани айтиб берди.* «Муштум». *Дилфуза ноилож аҳволда қолди.. Норининнинг қуруғидан озгина чимдиган бўлиб, ётиб олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

НОИЛОЖЛИК Иложсиз, имконсиз ҳолат, иложсизлик, чорасизлик. *-Санобархон, мени кечиринг, — Алижон яна ялингандек бўлди, — худо ҳаққи, ноиложликдан келдим.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

НОИНСОФ [но.. + инсоф] **1** Инсофи йўқ, инсофсиз; виждонсиз; адолатсиз. *Оббо ноинсоф-эй, Ширмонбулоқнинг этагидаги қоратупроқ ерларнинг барисини қўлга киргизиб олди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *сўк.* Ҳақорат, койиш ифодалайди. *Эрталаб Хўжабеков келиб кетди. Касал бўлсам ҳам, олдига чиқдим. Омонмисан, демади-я, ноинсоф.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Насиба:*] *Кечагина нима деган эдингиз! Яна лафзингиздан қайтдингизми? Ноинсоф!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

НОИНСОФГАРЧИЛИК *айн.* **ноинсофлик 2.** *Ўғлим билан элликбошининг олишиб турганини кўриб: -Ҳай-ҳай, бу қандай ноинсофгарчилик! Урманг! — деб ўртага тушди Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НОИНСОФЛИК 1 Ноинсоф эканлик; адолатсизлик.

2 Ноинсоф кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш. *Ноинсофлик қилмоқ* ▬ *Бирон буюмни сифатсиз ишлаб, аъло навга ҳақ олиш ноинсофлик, виждонсизлик, тўғрироғи, ўғриликнинг бошқа бир тури-ку!* Н. Сафаров. Оловли излар.

НОК [*ф.* ناك — мевали дарахт тури, олмурут] **1** Узоқ яшовчан, меваси турли ранг, шакл ва вазнда бўлган, ёғочи қаттиқ дарахт. *Боғнинг турли жойларида ҳар хил мевали дарахтлар: нок, ўрик, беҳи, жийда ва ҳоказо анчагина.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шокирали бува ҳовлисидаги катта нок салқинида эски тўшакка ёнбошлаб ётган экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Шу дарахтнинг меваси. *Хонтахтага терилган ликопчаларда ранг-баранг қандқурс, конфетлар, биллур идишларда олча, узум, нокдан қайнатилган мураббolar, қулупнай қиёми.* С. Анорбоев, Оқсой.

НОКАС [*ф.* ناکس — одам эмас; пасткаш, виждонсиз; аблаҳ, разил] **1** Виждони, инсофи йўқ, ярамас, қабиҳ, пасткаш. *Нокас одам.* ▬ *-Хонхўжалик Сайфулла эшонни мен ўзимга устоз деб билар эдим. Аслида ўша нокас мени шу йўлга олиб кирди, — деди Бўронбой.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.

2 *сўк.* Ярамас, аблаҳ. *Ҳа, тутуни булут кўрмаган нокас. Сенинг отанг шундай қурумсоқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қора қишда тўй қилмай, Баттар бўлгур нокас, гов.* А. Орипов, Ҳайрат.

3 Бировга ҳеч нарсасини раво кўрмайдиган; бахил, хасис, қурумсоқ. *Нокасдан қарз бўлма — ҳам йўлда қистайди, ҳам гўрда.* Мақол.

НОКАСТА *айн.* **нокас 3.** *Гул даста-даста, гул бермаган нокаста.* Мақол.

НОКАУТ [*ингл.* knock-out < knock — урмоқ; зарба + out — четда, ташқарида; четлатиш] *спрт.* Боксчининг қаттиқ зарбдан гандираклаб, йиқилиб, баъзан ҳушини йўқотиб, ўн секунд давомида ўрнидан туролмайдиган ва ютқизиқ деб ҳисобланадиган ҳолати. *Бошим гир-гир айланиб, нокаут бўлган боксчидай, гандираклаб кетдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

НОКДАУН [*ингл.* knockdown < knock — урмоқ; зарба + down — пастга, қуйига; қулатиш] *спрт.* Боксчининг зарбдан гарангсиган, йиқилган, лекин ўн секунддан ошмаган вақт ичида ўрнидан туриб, жангни давом эттира оладиган ҳолати. *Оломон якун ясади: Тамом, нокдаун.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Артур.. манаман деган чарм қўлқоп усталарини нокаут ёки нокдаунга учратганида, қалбимиз чексиз ғурурга тўлганди.* Газетадан.

НОКЗОР Нок дарахти билан банд ер, майдон, боғ. *Намхуш тупроқ, нокзордаги дарахтларнинг шохларида онда-сонда сақланиб қолган ўтган йилги ҳосилнинг туршаклари ҳидига тўлган ҳаво мусаффо эди.* Газетадан.

НОЛА [*ф.* ناله] **1** Ғам-алам, ҳасрат ифодаловчи аянчли овоз; афғон, фиғон, фарёд. *Инграб, ўксиб қолган онасиз.. Кўкка, ерга сиғмас ноласи.* Ҳ. Пўлат. *Ғуломжон руҳий азоб оташида қовурилиб, хўрлик жон-жонидан ўтиб кетган кезларида ўзини тутолмай нола қиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ёлвориш, ўтиниш, илтижо ифодаловчи овоз, мунгли товуш. *[Миркарим} Кеча-кундуз худога ибодат ва нола қилиб, пачава бўлган ўз ишининг ўнгланишини ва тотли ўтмишнинг қайтарилишини сўрарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Қушлар сайраши ёки мусиқа асбобларидан тарқалган овоз. *Дутор ноласи.* ▬ *Девор орқаси Соҳиб қорининг анорзори. Ҳаммаёқ жимжит, фақат онда-сонда булбуллар ноласи эшитилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Найнинг сеҳрли ноласи бутун дала бўйлаб акс садо берди.* Газетадан.

4 Мусиқа безакларидан бири; ашула айтганда, бирор сўз ёки сўз бўғинида овозни чўзиб, тебратиб хониш қилиш.

НОЛАВОР *айн.* **нолакор.**

НОЛАКОР Нолага эга бўлган, нолали. *Сўнгги пайтларда не боиским, бу ҳазин, нолакор байтлар тез-тез хотирга келадиган бўлиб қолди, деб ўйлади Бобур.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

НОЛИМОҚ Норозилик изҳор қилмоқ, шикоят қилмоқ, зорланмоқ. *Тиллабувадан кейин сўзга чиққанларнинг бири камбағалчиликдан нолиб, яна бири.. муштумзўрлар ҳақида Тиллабуванинг сўзини қувватлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Раҳмат, биродар. Соғлигимдан нолимайман. Узоқ йиллар шоличилик биригадасига бошчилик қиламан.* Газетадан.

НОЛИШ [*ф.* نالش — дод солиб йиғлаш, ҳўнграш; шикоят, арз, зорланиш] **1** Шикоят қилиш, арз қилиш, норозилик билдириш. *Нолиш билан иш битмайди; Мард номардга тиз чўкмайди.* Мақол. ▬ *-Ношукур экансиз, опа, — деди [Зайнаб], — поччамдан нолишингиз яхши эмас, сизнинг ҳам бошингизга менинг кунимни солса, нима қилар эдингиз?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нола, фиғон. *Ҳар ким титрар Ширинбек нолишига, Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига.* «Ширин билан Шакар».

НОЛОЙИҚ [но.. + лойиқ] Лойиқ, муносиб бўлмаган; лойиқ, муносиб келмайдиган, ярашмайдиган, номуносиб. *Ёшлар орасида жамоат тартиб-қоидаларини бузиш сингари юксак инсоний дидга бутунлай нолойиқ хатти-ҳаракатлар учраб туради.* Газетадан.

НОЛОН [*ф.* نالان — нола, фиғон қилувчи; шикоят қилувчи] *эск. кт.* Нола, фиғон қилувчи, афғон чекувчи. *Отмагай тонг боғ аро азминг хиромон бўлмаса, Булбули шайдолари гул узра нолон бўлмаса.* С. Абдулла.

Нолон боқмоқ Илтижо билан, зорланиб қарамоқ. *Аваз манзилга элтувчи йўлни билмас, теваракка нолон боқиб, ўзига содиқ сафдош, аниқроғи, раҳнамо излаб юргандек эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

НОЛЬ [*лот.* nullus — ҳеч қандай, ҳеч қайси] **1** Муайян бирлик ёки миқдорнинг йўқлигини ифодаловчи “0” белгисининг номи.

2 Иссиқлик ва совуқлик температуралари ўртасидаги шартли чегара. *Сув ноль даражада музлайди.* ▬ *Сув ҳароратини ноль даражага етказгач, яланг оёқ қорда юриш ҳам ҳеч гап эмас.* «Фан ва турмуш».

Ноль-ноль Вақтни кўрсатишда «роса, аниқ, туппа-тўғри» маъносини билдиради. *Меҳмонлар кечқурун соат еттига таклиф этилган. Ҳозир соат олтию ноль-ноль.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

НОМ [*ф.* نام – от, исм; шон-шуҳрат, обрў; от сўз туркуми] **1** Шахс ёки нарса-предметларга қўйилган от; исм. *Шаҳар номлари. Ном қўймоқ. Ном бермоқ.* ▬ *Кексайиб қолган эшоннинг хотираси анча пасайганидан кўп вақт ўз ўғилларининг номларини ҳам хотинидан сўраб олар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор соҳага, гуруҳга оидликни билдирувчи атама. *Мансур, Муслим! Сенга бир гап бўлдими? Муаллим деган номимиз бор, шундай вақтда иш кўрсатмасак, қачон кўрсатамиз?!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

3 Фаолиятнинг бирор соҳасида эришган ютуқ, малака даражасини кўрсатиш учун расмий йўл билан бериладиган унвон. *Фахрий ном. Хизмат кўрсатган артист деган ном. Классик кураш бўйича мамлакат чемпиони деган ном.*

4 Кўпчилик орасида маълум-машҳурлик; донг, довруғ, шуҳрат. *Номи чиққан курашчи. Ном чиқарган жамоа хўжалиги.* ▬ *Очил Эшназар.. Сиёб волостининг Қўштамғали қишлоғида ном чиқарган шахс эди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

Номи билан Топшириғи, ваколати билан. *Ўзбекистон номи билан.* **Номига** Шунчаки, хўжа кўрсинга, йўли учун. *Номига чойхона.* ▬ *Айрим туманларда маккажўхори номигагина экилаётганга ўхшайди, акс ҳолда, ер бўш ётмасин деб дон сочиб, кейин ўз ҳолига ташлаб қўйилмас эди.* Газетадан. *Ҳури, олдин номига бир оз кўнмай турар, кейин мажбуран бораётгандай, юзига қайғули ифода бериб чиқиб кетарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. **Номидан** Тарафидан, исмидан; топшириғи билан. *Жамоа номидан ташаккур билдирмоқ. Ўз номидан табрикламоқ.*

НОМА [*ф.* نامه – хат, мактуб] *эск. кт.* **1** Расмий ёзишма, мактуб, хат. *[Мажддиддин:] Мўминмирзони ўртага солиб, шаҳзода Бадиуззамонга нома юборинг.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Номаи аъмол [نامه اعمال – амаллар, ишлар номаси, дафтари] 1) *дин.* гўё икки фаришта ҳар бир кишининг савобли ишларини ва гуноҳларини ёзиб борадиган дафтар. *Азал котиблари ҳар мўминнинг манглайига номаи аъмолини ёзмишлар.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) *кўчма эск.* хизмат варақаси, дафтарчаси (ҳар бир хизматчининг қилган ишлари, хизматлари ёзиб бориладиган варақ ёки дафтар). *Нормат бинтни противогаз халтасининг устки чўнтагига солиб қўйди ва медальонни кўриб, "номаи аъмолимнинг ҳаммаси шунда", деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мана, Зиёдилла уч соатдан бери ўз номаи аъмолини ёзяпти.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Адабий жанр: Шарқ мумтоз адабиётида реал ёки хаёлий-тўқима шахсга қарата шеърий мактуб тарзида ёзилган бадиий асар тури. *Ўзбек мумтоз адабиётида нома жанрининг пайдо бўлиши Хоразмий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг «Муҳаббатнома» асари ана шу жанрда яратилган.* Газетадан.

3 Шу маънода қўшма отлар таркибига киради, мас. *Бобурнома, Акбарнома, Жангнома.*

НОМАРД [*ф.* نامرد – мард, эркак эмас] **1** Эркак эмас, мард бўлмаган. *Кўзларимга ишонмаймен! Бегим, бу не ҳол? Нечун мардона кийим кийибсиз? -Номардлар кўпайиб кетгани учун мардона кийиндим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Яхшиликни, адолат-инсофни билмайдиган, қўлидан тантилик келмайдиган; ноинсоф, виждонфуруш. *Номард одам.* ▬ *Шу-шу, жувон "ишим битди, эшагим лойдан ўтди, деб унутиб кетадиган номардлардан эмасмиз", деб Хўжабековнинг олдига келиб турадиган бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *сўк.* Ярамас, аблаҳ, нокас.

4 Юраги йўқ, қўрқоқ. *Мард йигит қўлида аждар ўлади, Номард одам ипни аждар билади.* Фозил шоир.

НОМАРДЛИК **1** Пасткашлик, ярамаслик; ноинсофлик.

2 Номард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Иккиланиш – ҳам ўлим, ҳам номардлик.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Мардлик, жасорат, матонат ҳам қалб амрининг меваси, номардлик, қаллоблик ҳам шахснинг қаллоб қалбига боғлиқ.* И. Раҳим, Қадриабад одамлар.

НОМАТЛУБ [но.. + матлуб] *кт.* Кўнгилга хуш келмайдиган, кўнгилдагидек эмас; исталмаган, номақбул. *Номатлуб иш. Номатлуб шахс.* ▬ *Ўқитувчи учун энг оғир изтироб ва уқубат шогирдларининг номатлуб хатти-ҳаракатларидан етади.* Р. Усмонов, Одобнома.

НОМАЪЛУМ [но.. + маълум] **1** Кимлиги, нималиги аниқ маълум бўлмаган, аниқланмаган. *Номаълум миқдор. Тўйнинг қачон бўлиши ҳали номаълум.* ▬ *Номаълум кимса йўлакнинг қоронғи қисмига ўзини олиб, кўзини Сайфидан узмай тура бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳали ҳеч ким билмайдиган; жумбоқ, сирли. *Номаълум орол.* ▬ *Қизлар нимани ўйлайдилар ва нима тўғрисида маъюсланадилар, бу эса қизларнинг бизга номаълум бўлган ички сирларидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хоразмийнинг бошланғич таълими ва қандай шароитда Хоразмни ташлаб кетганлиги ҳозирча фан учун номаълум.* «Фан ва турмуш».

3 *мат.* Математик йўл билан топилиши зарур бўлган миқдор, катталик. *Маълумларни номаълумлардан ажратмоқ.*

НОМАЪЛУМЛИ *мат.* Таркибида номаълум бўлган. *Икки номаълумли тенглама.*

НОМАЪҚУЛ [но.. + маъқул] **1** Маъқул эмас, маъқул келмайдиган; нодуруст. *Ҳожи бир неча вақт сўзлагувчини ўз оғзига тикилтириб ўтиргандан сўнг, агар маъқул тушса, "хўп" дейди.. номаъқул бўлса, "дуруст эмас" дейди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кейин у одам номаъқул чиқса, дарҳол амалдан олиб ташлайди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Ақл-идрок билан қилинмаган; ножўя, бемаъни, аҳмоқона. *Шунда мен кеча беихтиёр қилган номаъқул ишимнинг қанчалик фожиали эканини бира тўла англадим.* А. Мухтор, Туғилиш.

Номаъқул бузоқнинг гўштини емоқ Бекор, беҳуда айтмоқ, нотўғри гапирмоқ; нотўғри хатти-ҳаракат қилмоқ. *-Билиб қўйингки, хотиним ҳалол! Туҳмат қилганлар номаъқул бузоқнинг гўштини ебди! — деди Қамбар.* Уйғун. Асарлар.

НОМАЪҚУЛЧИЛИК Бемаъни, ножўя ҳаракат, иш; бемаънигарчилик. *Номаъқулчилик қилмоқ.* ▬ *Бобом узоқ ва оғир сукутдан сўнг кампирни овутади: -Бас, йиғлама, золимлар кўп, хоинлар кўп, уларнинг шундай номаъқулчиликлари, итликлари бўлиб туради.* Ойбек, Болалик. *-Нимага саланглаб юрибсизлар? Бу қандай номаъқулчилик! — деб қичқирди Саид амин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НОМАҚБУЛ [но.. + мақбул] Қабул қилиб бўлмайдиган, тўғри келмайдиган; номатлуб. *Номақбул таклиф. Номақбул усул.* ▬ *-Ойнагулни элига ўтказиб юборишнинг бир неча йўллари бор, бироқ бу йўллар номақбул. Шундай қилиш керакки, хамирдан қилни беозор тортиб олишдай бўлсин, — деди Фарҳод.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Деворларга ёзиб-чизиб ташланган номақбул сўзлару антиқа расмларни ўчириб ташлашга ожиздирлар.* Газетадан.

НОМАҲРАМ [но.. + маҳрам] *дин.* Яқин қариндошлик алоқаси бўлмаганлиги сабабли бир-бирини кўриш ёки бир-бирига кўриниш ман этилган, лекин никоҳланиши мумкин бўлган эркак ва аёл (бир-бирига нисбатан); *зид.* **маҳрам 4.** *"Абдуваҳобнинг турқини худо кўтарсин, ундан хотин қизғанадиган ўрни йўқ. Уни номаҳрам деб бўлмайди, одам эмас — қул", дейишарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Йўқ, йўқ. Сиз менга номаҳрамсиз. Бошқага қилинган фотиҳани бузмай туриб, менга яқинлашманг.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

НОМ-БАНОМ [*ф.* نامبنام — ҳар бир номни (алоҳида) айтиб] *айн.* **номма-ном**. *Ўрмонжоннинг бу гапларини, айниқса, тажрибакор чолларни ном-баном айтганини кўриб, Бўтабой ичида зил кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НОМГЎЙ [*ф.* نامگوی — номини айтувчи] *этн.* Урф-одатларга кўра, ёшлигида номи айтилиб унаштириб қўйилган йигит ёки қиз. *Нуриддин болаликдан бир хешларининг қизига «номгўй», қиз ҳам сочини тараб, уни кутиб ўтирган эди.* Э. Аъзам, Жавоб. *Номгўйимиз ўтганда, уялибгина қолар эдик, бемаҳал чоғларда келганда, тўрдаги эшикни очиб, ичкарига кириб олар эдик.* «Гулихиромон».

НОМДОР [*ф.* نامدار — маълум номга эга; машҳур, шуҳрат қозонган] Ном, шуҳрат чиқарган; донгдор, шуҳратли. *Бу кампирнинг етти ўғли бор эди, еттови ҳам номдор алп эди.* «Алпомиш». *Ҳозир Сафаров республикамизнинг номдор, тажрибали пахтакорларидан бири.* Газетадан.

НОМДОРЛИК Машҳурлик, ном чиқарганлик, шуҳратга эгалик. *Ҳозир баъзилар*

отасининг номдорлиги билан ғурурланиб, ҳеч кимни менсимай, ўзига бино қўйиб юришни одат қилишган! Мирмуҳсин, Умид.

НОМЕНКЛАТУРА [*лот.* nomenclatura – номлар, исмлар рўйхати] **1** Ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат ва ш.к. нинг бирор соҳасида қўлланадиган номлар, атамалар, терминлар ва шу номлар билан аталувчи нарсалар рўйхати ёки мажмуи. *География номенклатура. Кимё номенклатураси. Ботаник номенклатура.*

2 Саноат ва бирор хўжалик тармоғи ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг таснифланган рўйхати. *Заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси.* ▬ *Мана шу молларни ишлаб чиқариш номеклатурасини ва ҳажмини яқин муддат ичида тиклаш керак.* Газетадан.

3 Бирон-бир юқори (раҳбарий) орган томонидан тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахслар ва уларнинг рўйхати. *Абдуллаев ўз оғайнисини номенклатурада сақлаб қолиш учун курашмоқда.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

НОМЕР [*лот.* numerus – сон, рақам] **1** Бир турдаги предметларнинг ичида ҳар бирининг тартиб рақами. *Уй номери. Телефон номери.* ▬ *Шукур, эл қатори эшигимда номер қоқилган. Ҳар қаерда бир юзу олтмиш учинчи, деб хат ташласанг келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ҳужжат, рўйхатга олиш ва ш.к. белгиси сифатидаги маълум рақамлар ёзилган ёрлиқ, тахтача. *Машина номери. Велосипед номери. Паспорт номери.*

3 Кийим-кечак, пойабзал ва ш. к. нинг катта-кичиклигини, ўлчамини билдирувчи рақам. *Мен ундан икки номер катта этик кияман.*

4 Меҳмонхона, ҳаммом ва ш.к. да алоҳида бўлма, хона. *-Меҳмонни меҳмонхонага олиб бордим. Унга икки хонали жуда яхши номер олиб қўйилган экан, – деди Мелибой ака.* А. Қаҳҳор, Думли одамлар. *Қўқонда номерда бир ўрис инженер билан танишдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Театр, цирк, концерт ва ш.к. нинг ҳар бир алоҳида ижро этиладиган қисми. *Программа номерини эълон қилмоқ.* ▬ *Конферансье – ёшгина бир марий йигити чиқиб: -Концертимизнинг биринчи номерида ўзим машқ қилиб бераман, – деди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Авдеев навбатдаги масъулиятли номерни бажаришга тайёргарлик кўриш учун қўшни хонага кириб кетди.* «Фан ва турмуш».

6 *ҳарб.* Тўпчилар, пулемётчилар гуруҳида маълум хизматни бажарувчи жангчи.

Номери ўтмайди *с. т.* Найранги ўтмайди, кетмайди. *-Ҳар қандай йўл билан ўз ишингизни битириш пайида бўласиз. Энди номерингиз ўтмайди, оғайни, ҳа, билиб қўйинг. Мен сизнинг дўстингиз эмасман, – деди Нуриддин.* О. Ҳусанов, Дўстлар.

НОМЕРЛАМОҚ Тартиб номери қўймоқ, қўйиб чиқмоқ, рақамламоқ. *Дафтар бетларини номерламоқ.* ▬ *Жангчилар бўр билан номерланган вагонларга чиқишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

НОМЕРЛИ Номери бор, номер қўйилган, тақилган. *5 номерли уй.*

НОМЗОД [*ф.* نامزد – куёв, келин; унаштирилган; номи кўрсатилган; кандидат] Давлат ёки жамоатчилик органига сайлаш, бирон-бир лавозимга тайинлаш, бирон-бир ташкилотга қабул қилиш учун белгиланган, кўрсатилган шахс; кандидат. *Номзод кўрсатмоқ. Номзодларни тасдиқламоқ. Номзодлар рўйхати.* ▬ *Ишнинг енгили бўлмайди, қизим. Мактаб мудирлигига сиздан бошқа муносиб номзод йўқ экан, рад этманг.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Фандаги илмий даражанинг маълум босқичи. *Фан номзоди.*

НОМИНАЛ I [*лот.* nominalis – номи ёзилган] Қоғоз ва танга пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, мол ва ш.к. нинг белгиланган, устига ёзилган баҳоси. *Номинал билан сотмоқ.*

НОМИНАЛ II Белгиланган, ёзиб кўрсатилган (нарх, баҳо, ўлчам ва ш. к. ҳақида). *Номинал баҳо. Номинал ўлчам. Номинал иш ҳақи – пул шаклидаги иш ҳақи.*

НОМИНАЛИЗМ [*лот.* nomina – исмлар, номлар] Ўрта аср фалсафасида оламда фақат якка нарсалар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар эса нарсаларнинг номларидангина иборат деб ҳисоблайдиган оқим, йўналиш.

НОМИНАЦИЯ [*лот.* nominatio – аташ, номлаш; номзод кўрсатиш] **1** Муайян ижодкорлик, иш-фаолият соҳаси бўйича бўладиган мусобақа-танловларга номзодлар кўрсатиш ва ғолибни аниқлаш жараёни. *«Энг яхши ёш футболчи» номинацияси.* ▬ *«Меъ-*

морчилик ва дизайн» каби номинациялар бўйича топширилган ишлар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилади. Газетадан.

2 *тлш.* Номлаш хусусиятига эга бўлган тил бирликлари (сўз, сўз бирикмаси, фразеологизм ва гап)ни ҳосил қилиш ва шу жараённинг натижаси.

НОМЛАМОҚ Ном қўймоқ, ном бермоқ, атамоқ. *Янги кўчаларни номламоқ.* ▬ *Замондошларимиз ва биздан кейинги авлодлар Тошкентни қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ишларни минг бир кунлик жасорат деб номлаши турган гап.* А. Набихўжаев, Жасорат йилномаси.

НОМЛАНМОҚ Номламоқ фл. мажҳ. н. *Бу шароб орқали кучин кўрсатар Ўзбек деб номланган кекса соҳибкор.* Ғ. Ғулом.

НОМЛИ Номи билан аталувчи, ...номидаги, ...деб аталган, ...деган. *Навоий номли мактаб.* ▬ *Бу маҳаллада унга маъқул бўлган икки киши бор эди. Бири – гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратой, иккинчиси – Шокир ота номли маҳсидўз чол.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОММА-НОМ [*ф.* نامبنام] *рвш.* Ҳар бирининг номини айтиб, ҳар қайсисини алоҳида, ўз номи билан. *Самандаров колхозга кириш учун ариза берганларни номма-ном айтиб, мажлисдан ўтказди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мудир докладининг охирида битирувчиларни номма-ном чақириб.. гувоҳнома тақдим қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НОМ-НИШОН, ному нишон Ном ва нишон, ном ва асар; из; дарак. *Мана уч кун бўлибдики, ундан ном-нишон йўқ.* ▬ *Уруш бўлмаганда, мана бу қалдирғочнинг уясига ўхшаган уйлардан, мана бу бўйинчага ўхшаган эшиклардан ном-нишон қолмас эди.* А. Қаҳҳор, Картина.

НОМ-НИШОНСИЗ Хат-хабарсиз, дом-дараксиз, изсиз. *Шамсиддин Иброҳимовнинг ном-нишонсиз йўқолгани ҳақидаги хабар эртаси куни маълум бўлди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Ёқубжоннинг кўнгли равшанлашди. Севинмасинми, ахир ундан зурёд қолади, зурёд! У энди оламдан беиз, ном-нишонсиз кетмайди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

НОМОЗ *айн.* **намоз.** *Ҳамма хуфтон номозига кириб кетган, кўчалар сув қуйгандек тинч эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НОМСИЗ 1 Номи йўқ, беном. *Упайтлар кўчалар номсиз бўлса ҳам, маҳалла тилга олинса бўлди, ҳар қандай хат эгасига аниқ етиб борарди.* Газетадан.

2 *кам қўлл.* Номи, донги чиқмаган, донгдор эмас, шуҳратсиз. *Бир вақтлар номсизроқ, ўртамиёна колхоз эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

НОМУАЙЯН [но.. + муайян] Аниқ, конкрет бўлмаган; нотайин, дудмол. *Номуайян гап. Номуайян жавоб.*

НОМУВОФИҚ [но.. + мувофиқ] **1** Тўғри, мос, муносиб бўлмаган, мувофиқ келмайдиган. *Номувофиқ номзод.* ▬ *Ҳужжатлар, қилинган иш билан сарфланган маблағ номувофиқ эканлигини кўрсатиб турарди.* Газетадан.

2 Ўринсиз, ноўрин. *Номувофиқ гап. Номувофиқ гапирмоқ.*

НОМУНОСИБ [но.. + муносиб] **1** Муносиб, мувофиқ, мос бўлмаган, мос келмайдиган; номувофиқ. *Улар бир-бирига номуносиб.* ▬ *Шербек жойига ўтирганида, Саидғозининг жисмига номуносиб овози идорада яна дўриллади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Келишмаган, ярашмаган, нолойиқ. *Ўқимишли кишига номуносиб қилиқ.* ▬ *Умида сўнгги сўзларини ёшига номуносиб бир алам билан, сансираб гапирди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

НОМУНТАЗАМ [но.. + мунтазам] Мунтазам, изчил бўлмаган; барқарор, доимий эмас. *Номунтазам қўшинлар.*

НОМУС [*а.* ناموس – қонун; виждон, диёнат; обрў-эътибор; иффат, бокиралик < *юн.* nomos – қонун] **1** Кишининг ўз обрўсини улуғлаш ва ардоқлаш ҳис-туйғуси; орият, диёнат, виждон. *Номусини ерга букмоқ. Номус ва ғайрати бор одам меҳнатдан қўрқмайди. Нодон билан юрма, Номусингни букма.* Мақол.

2 Хижолат тортиш ҳис-туйғуси; уят-андиша, шарм, ҳаё, ор. *Номусга қўймоқ.* ▬ *[Жамила:] Ҳаё беномусда бўлмайди! Ҳаёсизда номус бўлмайди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Номус! Номус эр кишини ўлдиради-я!* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [*Ҳайитжон:*] *Отаси бечора бўлса, қанча вақт элхалқдан номус қилганидан, аллақандай шаҳарларга бадарға бўлиб, яқинда келди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

3 Қиз поклиги, бокиралик, иффат, қизлик. *Бахтсиз оналарнинг кўз ёшлари, болаларнинг, қизларнинг таҳқирланган номуси учун сўнгги нафасгача курашинг. Ўлим, тиз чўкиш йўқ!* Ойбек, Қуёш қораймас. *Агар ит тегмаган бўлса, покман, номусим жойида десанг, кел, бери кел.* М. Мансуров, Ёмби.

Номусга тегиш Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг (аёл кишининг) ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

НОМУС-ИФФАТ *айн.* **номус 3.** *Зулфизар.. унинг ўн гулидан бир гули ҳам очилмади. Ёшлиги, номус-иффати, умид-армонлари барбод бўлди.* К. Яшин, Ҳамза.

НОМУСЛИ 1 Орияти, диёнати, виждони бор; ориятли, виждонли. *Номусли, меҳнаткаш йигит топилса, қизни тезроқ узатишга қарор қилганини, бу хусусда кампирнинг фикрини билмоқчи эканини айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Уяти бор, уят-андишани биладиган; шармли, ҳаёли. *Отам Тошкентда экан чоғда бу гапни айтишга уялган эмишсиз.. гўё бунинг ила номусли бўлиб кўринмоқчисиз шекилли?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НОМУС-ОР *айн.* **ор-номус.** *Баланд-баланд тоғнинг қори бўлади, Мард йигитнинг номус-ори бўлади.* Фозил шоир. *Қиз бола нозик гул, у ўз қадр-қимматини биладиган, номус-орли бўлиши керак-да, ахир.* Газетадан.

НОМУССИЗ 1 Орияти, диёнати, виждони йўқ; ориятсиз, виждонсиз. *Номуссиз юрмакдан номусли ўлмак афзал.* Мақол.

2 Уяти йўқ, уят-андишани билмайдиган; шармсиз, беҳаё. *[Юсуфжон:] Нимага сен холангга, биз берамиз деган кишига тегмайман, деб эмишсан? Қандай бетинг бўлди, номуссиз!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

НОМУССИЗЛИК Номусини йўқотганлик, беҳаёлик, уятсизлик; номуссиз кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш. *Бу номуссизлик «четан»чиларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача ичдан ғазабга келтиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

НОМУТАНОСИБ [но.. + мутаносиб] **1** Мутаносиб бўлмаган, қисмлари бир-бирига мос тушмаган; бири катта, бири кичик. *Унинг калласи жуссасига номутаносиб — кичкина бўлиб, ҳар гал кийим-кечакларини алмаштирмоқчи бўлганида, энг кичик пилотка, энг катта пойабзал излайвериб, тинкаси қуриpди.* В. Ғофуров, Вафодор.

2 *мат.* Ўзаро пропорционал бўлмаган. *Номутаносиб сонлар.*

НОН [*ф.* نان — нон; озиқ-овқат] **1** Хамирдан тайёрланиб, тандир, ўчоқ, това ва ш.к. да пишириладиган егулик. *Буғдой нон. Зоғора нон. Ширмой нон. Бўлка нон.* ▬ *[Кампир] Нон ясаб бўлгунча, тандир қизиди. Кейин бир чеккадан ёпдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, егулик-ичгулик, яшаш, тирикчилик учун зарур нарса. -*Матқовул ака, мен нон топармиканман, деб қорин ғамида мактаб очганим йўқ, — деди у [Ғуломжон] босиғи билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Нон гадойи Нонга зор, камбағал-қашшоқ. *У ё ўз-ўзини ўлдирарди, ё хизматкор йигит билан бир юртга қочиб, камбағалликда, нон гадойи бўлиб яшарди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Нон емоқ** Бирор нарсадан фойдаланиб тирикчилик ўтказмоқ, кун кечирмоқ. *Доим ҳовли, ер жанжалидан нон еб юрадиган бир элликбоши, афандининг йўлини тўсиб, кўрган тушини айтиб берди.* «Латифалар». **Нон синдириш** (*ёки* **ушатиш**) *этн.* Никоҳ тўйи маросимларининг бир қисми: қиз томон, яъни унинг ота-оналари совчи юборган томонга ўз розилигини бергач, совчилар келтирган дастурхон очилиб, шу розилик белгиси сифатида нон синдирилиши ва тўй билан боғлиқ масалаларнинг белгиланиши, ҳал қилиниши. **Нони бутун** Тирикчилик, яшаш учун зарур нарсалари бут, муҳайё, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, бекам-кўст, тўкис. *Сартарош у дунё, бу дунё хор бўлмайди. Ҳамма вақт нони бутун [деди кампир Шодига].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Нони яримта** Бирор шерик ёки рақобатчи туфайли топиш-тутиши камайган, етишмай қолган. *Нима, Қобилов келиб, нонимиз яримта бўлиб қолдими, аксинча, қўлни-қўлга бериб ишласангиз, битта нонингиз иккита бўлади.* С. Маҳкамов, Шогирд. **Нонини туя қилмоқ** Бировга тегишли ҳақнинг маълум қисмини олмоқ, ўзлаштирмоқ. *"Бўшанглик қилсам, нонимни туя қилиб беришлари аниқ", — ўйлади Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОНВОЙ *айн* **новвой.**

НОНДОН [*ф.* ناندان — нон сақлагич, нонтовоқ] Нон турадиган, сақланадиган

қути, идиш. [*Отам*] *Нондонни очиб, бор нонни.. хуржунига солиб: -Мен шаҳарга кетдим, — деган ҳолда уйдан чиқди.* С. Айний, Эсдаликлар.

НОНЖИЙДА Жийданинг йирик, сершира, гўштдор мевали тури. *Она Жўрабой ота билан Эъзозхонни Ботирали олиб келган қора булка ва ёнғоқ, нонжийда билан сийлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

НОНКЎР [*ф.* نانکور — яхшиликни билмайдиган, нон кўр қиладиган] Бировнинг берган туз-намаги, нон-тузи қадрини билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қилувчи, тузини еб, тузлуғига тупурувчи; кўрнамак, нонтепки. *Бой.. қутуриб бақирди: -Сан нонкўрсан, ман сани туққаним, жигарим, дедим. Овқат бердим, кийим бердим, бу — зулм эмиш!* Ойбек, Танланган асарлар. *Хўжасизлик ва бепарволик орқасида дастурхонимиз зийнати — нон оёғости қилинмоқда, бундай кишиларни эл нонкўр дейди.* Газетадан.

НОНКЎРЛИК Нонкўр кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш; кўрнамаклик, нонтепкилик. *Кўрдингизми, ноқобил фарзанд, ман уни юртнинг катта бойига унаштирсам, нодон қиз бир яланғоёқ билан қочибди, кулиб турган бахтига юзни тескари буриш — бу қандай нонкўрлик!* Ойбек, Танланган асарлар. *-Келинглар, табиатнинг сахийлигига нонкўрлик қилмайлик. Тоғда ўсган мевали дарахтларни.. парвариш қилайлик! — деди Назаров.* С. Анорбоев, Оқсой.

НОН-НАМАК [*ф.* نان‌ونمک — нон-туз; меҳмондўстлик] **1** Ризқ-рўз, насиба, улуш, ҳисса.

2 Ейишлик-ичишлик нарса, овқат. *Мирҳосил жиннихонага узоқ қатнади. У ҳар гал шаҳарга тушганда, нон-намак олиб, ўша ерга интилар, Лаълининг тузалишидан умидвор бўлар.. эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Нон-намак бўлмоқ Суҳбатда бўлмоқ, биргаликда овқатланмоқ; бирор ўтиришда, меҳмонда бирга бўлмоқ. *Содиқжон ака билан биз бир неча бор нон-намак бўлганмиз. У киши давранинг гули.* Газетадан.

НОН-НАСИБА *айн.* **нон-намак 1.** *-Йўқ, йўқ! — деди домла бошини чайқаб, — бу ердаги нон-насибамизни ташлаб, қаёққа борамиз?!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нон-насибанг бизда бўлса, қоларсан, бўлмаса, қишлоғинггами ё бошқа томонгами жўнарсан.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОНПАЗ [*ф.* نانپز — нон пиширувчи] *шв.* Новвой.

НОНТЕПКИ *айн.* **нонкўр**. *Сендақа, ҳукуматнинг тузини ичиб, тузлуғига туфлайдиган нонтепки керак эмас.* С. Аҳмад, Ҳукм.

НОНТЕПКИЛИК *айн.* **нонкўрлик 2.** *[Мирзақул:] Бой отам, Сибирга сургун қилинадиган гуноҳни кечириб турибдилар-у, сен нонтепкилик қиласанми, қуллуқ қил!* Н. Сафаров, Уйғониш.

НОНТОПАР Нон топадиган, даромад келтирадиган. *Аммага, бекорчи оғиздан кўра нонтопар қўл керак эди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Анави бир хонада чолнинг ўзи тураверади. Ўша эски нонтопар касбини қилаверади.* С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма.

НОНУШТА Эрталабки нон-чой, хўрак. *Сидиқжон эрталаб нонуштадан кейин жўнамоқчи бўлган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Нонушта қилмоқ Эрталабки хўракни емоқ. *Ҳар кун эрталаб бир вақтда — бир минут кечикиш ё олдин кетиш йўқ, нонушта қилмасдан, дўконга кетади, оқшом, албатта, уйга қайтиб, оила билан овқатланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОНХЎР [*ф.* نانخور — нон еювчи, боқимонда] **1** Нонни яхши кўрадиган, кўп нон ейдиган. *Худоё, раҳматингдан ўргилай, ошхўрга ош, нонхўрга нон етказурсан.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 Бирор оила бошлиғининг таъминотида, қарамоғида бўлган киши; хўранда, жон. *[Нарзи тоға] Энди олтита нонхўрдан иборат жўжабирдай рўзғорининг жони учун ўз ажалидан бир қўрқса, довюрак ҳамроҳининг жони учун минг карра қўрқади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 *кўчма нафр.* Текинтомоқ, текинхўр. *Ўз уйида бир нонхўр ортиши махдумга, албатта, ёқмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

НОНХЎРАК [*ф.* نانخوراک — нон ейиш вақти] *тар.* Эски усулдаги мактабда танаффус вақти ва шу вақтдаги овқатланиш. *-Нонхўракда ерсизлар, — деди у, ўғилларининг пешоналарини силаб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *[Каромат опам] Бугун тушда нонхўракка уйга келмас экан.* Ойбек, Болалик.

НОН-ҚАТИҚ: нон-қатиқ бўлмоқ *айн.* **ош-қатиқ бўлмоқ** *қ.* **ош-қатиқ**. *Даминжон.. бу*

ердаги кўп кишилар билан нон-қатиқ бўлиб кетган эди. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

НООБОД [*ф.* ناآباد — обод бўлмаган; хароб бўлган, бузилган] Унчалик обод бўлмаган; камхалқ. *Нообод шаҳар. Нообод ўлка.* ▬ *Битмас-туганмас табиий бойликлари бўлган нообод жойларга ёш ватанпарварларнинг янгидан-янги отрядлари келади.* Газетадан.

НОПИСАНДЛИК [< *ф.* ناپسند — беадаб, ахлоқсиз, номаъқул; қабиҳ, ярамас] Назарга олмаслик, писанд қилмаслик. *Тилга təнописандлик — элга нописандлик.* Газетадан. *-Хўш, бўлдингизми? — деди бойвачча нописандлик билан.* К. Яшин, Ҳамза.

НОПОК [*ф.* ناپاک — ифлос, кир; ифлосланган, тозаланмаган; ҳаром бўлган, ман қилинган] **1** Тоза, озода эмас; ифлос, булғанган. *Нопок кийим. Нопок идиш.*

2 *кўчма нафр.* Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган, ҳаром-хариш ишлардан ҳам қайтмайдиган; қалб. *Нопок одам.* ▬ *Ташмачи ҳам нафсига кучи етмаган, виждони нопок нусхалар жумласига киради.* Газетадан.

3 *кўчма* Тоза, соф, пок эмас; ёмон, жирканч; ноқонуний. *Мунавварxоннинг қора юрагида моғор босиб ётган нопок нияти “менга эр эмас, жой керак” хиргойисида ошкора бўлди.* М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат. *Серхаражат тўйларнинг палак ёзишига асосий сабаблардан бири, бизнингча, нопок йўл билан пул топувчи шахслардир.* «Саодат».

НОР I **1** Бир ўркачли эркак туя.

Нор туя *айн.* **нор** I **1.**

2 Умуман, эркак туя. *Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди.* Мақол.

3 *кўчма* Бақувват, мард йигит. *Норқўзи йигитларимиз ичида ҳақиқатда нор йигит. Очиқ кўнгил, ростгўй, — деди Турсунхон.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

НОР II [*ф.* نار — тамға, белги] **1** Бадандаги туғма қизғиш доғ.

2 Нор (эркаклар ва аёллар исми).

НОР III [*ф.* نار — анор дарахти ва меваси] *айн.* **анор**. *Бир боғчада олмамиди, нормиди, Мендан ўзга сенинг ғаминг ермиди?* «Равшан». **Нор пўст** 1) анор пўсти; 2) анор пўсти рангидаги, тўқ қизил.

НОР IV [*а.* نار — олов; ёнғин; дўзах] *эск. кт.* Ўт, олов.

НОРАВО [*ф.* ناروا — ножўя, мумкин бўлмаган, йўл қўйиб бўлмайдиган; нолойиқ, номаъқул] **1** *кт.* Раво кўрилмайдиган; муносиб, лойиқ ҳисобланмайдиган, номуносиб. *Бўлур меҳнат билан ҳар жойда бўлса лойиқи ҳурмат, Ҳалол меҳнат билан қилган маишат нораво бўлмас.* Ҳабибий.

2 Йўл қўйиб бўлмайдиган, жоиз эмас. *Кулса эл паришонлик одатимга, тонг йўқдир, Аҳли дилга, албатта, нораво паришонлик.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

НОРАСИДА [*ф.* نارسیده — хом, пишмаган; балоғатга етмаган; чала туғилган] Балоғатга, вояга етмаган. *Урушга қирон келсин. Кўплаб норасидаларни ота-оналаридан бевақт жудо қилди.* Р. Файзий, Эл меҳри.

2 *кўчма* Ёш, ҳали вояга етмаган, *Ҳар япроқ, ҳар новда, норасида шох, Баҳор оғушида рози беармон.* Миртемир.

НОРАСМИЙ Расмий, қонуний бўлмаган. *Умид Иноғомжондан Жаннанинг бундан бир йилча муқаддам кимгадир норасмий текканини, кейинчалик у йигит билан ажралишганини эшитди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бу икки хўжалик ўртасида қарор ёзилмаган, қандайдир норасмий мусобақа борга ўхшайди.* Газетадан.

НОРАСО [*ф.* نارسا — мукаммал, тўлиқ эмас; қониқарсиз; вояга, камолга етмаган] **1** Расо, тўлиқ, бут бўлмаган; комплект эмас, нотўлиқ.

2 Ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук эмас ёки нуқсонли; ноқис. *Норасо бола.* ▬ *Ўйласанг, бошдан-оёқ меҳнат — фазилат, хосият. Норасолар оқибат бўлгай расо меҳнат билан.* Ҳабибий.

НОРАСТА [*ф.* نارسیده — хом, пишмаган; вояга етмаган] *с. т.* Норасида. *Қотилларнинг назарида Норастанинг “гуноҳи” — Ёш бола ҳам ўз юртини Муқаддас, деб билгани.* Уйғун.

НОРБАЧЧА 1 Туянинг боласи; бўталоқ.

2 *кўчма салб.* Лаганбардор, хушомадгўй.

НОРДОН [*ф.* ناردان — анор донаси; қуритилган анор донаси; анор суви] **1** Тишни қамаштирувчи, оғизни буриштирувчи (маза); аччиқ. *Нордон анор. Нордон узум. Нордон олма.* ▬ *Элмурод Мурзиннинг кайфи борлигини сезди. Нордон нарса чайнагандек, юзи буришиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *ким.* Таркибида водород бўлган (тузлар ҳақида).

Нордон гап *(ёки* **сўз, муомала**) Аччиқ, таъзир берадиган, қаттиқ ботадиган гап. *Эшикка бордингми? Бобойдан нордон гап эшитганга ўхшайсан. Нима деди?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

НОРЕАЛ [но.. + реал] Реал, аниқ бўлмаган, реал эмас. *Нореал режа. Нореал иш.*

НОРЕНТАБЕЛ [но.. + рентабел] Харажатларни оқламайдиган, фойда бермайдиган, рентабел эмас. *Устувор тармоқларнинг тезроқ ривожланиши, албатта, норентабел корхоналарни тугатишга олиб келади.* Газетадан.

НОРИЗО [но.. + ризо] *айн.* **норози.** *Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НОРИМ-НОРИМ [*ф.* نار – анор] Хоразмда кенг тарқалган куй ва анъанавий рақс номи.

НОРИН Пиширилган хамир ва гўштни (одатда қазини) майда тўғраб, аралаштириб тайёрланадиган овқат. *Қуруқ норин (шўрва солинмаган норин). Ҳўл норин (шўрвали норин).* ▬ *Эркин холани мақтар: Ош-овқатни ўхшатар. Хамирни пилик қилиб, Норин, лағмон, увралар, Чучвара ҳам дўлмалар..* Қ. Муҳаммадий. *Кечки норин учун катта қозонда қази пишади.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОРИНХЎР Норинни яхши кўрадиган, кўп норин ейдиган. *Норинхўр одам.* ▬ *Кўрдингми? Бир ярим пуд мой беради. Суягигача мой: эрта норинхўрлар маза қилади-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОРИНХЎРЛИК Тўйиб норин ейиш, норин билан меҳмон қилиш. *Айта қолинг, Авлиёота – қозоқ юрти, норинхўрликка кўпроқ берилганга ўхшайсиз-а.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОРКА [*р.* норка < нырок < нырять – шўнғимоқ] Юнги қалин, ялтироқ, кулранг тусли йиртқич сутэмизувчи ҳайвон ва унинг мўйнасидан тикилган кийим. *Машинадан Гулсара опа тушиб келди. Бошида норка мўйнасидан тикилган телпак, эгнида эркакча пўстин.* Газетадан.

НОРМА [*лот.* norma – меъёр, ўлчов; қоида, қонун] **1** Расмийлаштирилган қонун-қоида. *Ҳуқуқ нормалари.*

2 Умум томонидан қабул қилинган ва тан олинган, ҳамма учун мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида.

3 Бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган ўртача ўлчами, миқдори, меъёри. *Кундалик иш нормаси. Нормани ошириб бажармоқ.* ▬ *Зарбдорларнинг олдида ерга қарамай, Нормадан ҳам оширдим ишни бир талай.* Ғайратий.

НОРМАЛ [*лот.* normalis – тик, тўғри; меърий] **1** Нормага, меъёрга мос келадиган, норма (меъёр) доирасидаги, белгили талабларга жавоб берадиган; мўътадил. *Нормал шароит. Нормал ҳол. Экинлар нормал ривожланмоқда.*

2 Ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, расо. *Нормал бола.*

НОРМАЛАМОҚ Бирор нарсанинг, ишнинг нормаларини, миқдорини, меъёрини белгиламоқ, норма белгиламоқ, қўймоқ. *Ишни нормаламоқ.*

НОРМАЛАШТИРМОҚ Қатъий нормага солмоқ; нормага, маълум тартиб ва қонун-қоидаларга бўйсундирмоқ. *Тилни нормалаштирмоқ.*

НОРМАЛИ Нормага солинган, норма қўйилган, норма билан белгиланган, нормаланган. *Нормали моллар. Нормали томорқа.*

НОРМАЛЛАШТИРМОҚ Нормал ҳолга келтирмоқ, нормал изга солмоқ. *Дипломатик муносабатларни нормаллаштирмоқ.*

НОРМАЛОВЧИ Нормага солувчи, норма қўювчи. *Нормаловчи инженер.*

НОРМАЛЬ [*лот.* normalis – тик, тўғри] *мат.* Эгри чизиқнинг бирор нуқтасига ўтказилган уринмага (ёки сиртнинг уринма текислигига) тик тўғри чизиқ.

НОРМАТИВ I [*лот.* normatio – меъёрлаш, тартибга солиш] Бирон-бир ишни бажариш, дастурни амалга оширишнинг иқтисодий, техник ва б. норма кўрсаткичлари мажмуи.

НОРМАТИВ II **1** Нормалар ёки нормативлар *(қ.* **норматив** I**)** билан белгиланадиган. *Деталларнинг норматив запаси.*

2 Нормаларни белгилайдиган. *Норматив грамматика. Норматив луғат. Норматив ҳисоб.*

НОРОЗИ [но.. + рози] **1** Қаноат ҳосил қилмаган, кўнгли тўлмаган; хурсанд, мамнун эмас. *У сиздан норози. Норози бўлмоқ.*

2 Қўшилишмаган, қўллаб-қувватламаган; қарши. *-Бу шартга кўнмаса, мен тамом норозиман.. – қўлини кескин силкиди Салим.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОРОЗИЛАНМОҚ *кам қўлл.* Норози бўлмоқ, ранжимоқ. -*Қаёқда юрибсан! Бу ёқда шунча нарса ётибди, эшикларинг ланг очиқ. Жуда бепарвосан-да, қизим! — норозиланди Ёрмат.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОРЧА *айн.* **норбачча.**

НОРҒУЛ Бақувват гавдали, жуссали, барваста. *Норғул йигит.* ▬ *Менинг набирам ҳам сенга ўхшаб аскарликда хизмат қилади. Сенга ўхшаш жуссадор, норғул, Омон деса, ҳамма билади.* Уйғун.

НОС Тамакидан тайёрланадиган ва тил тагига ташлаб ёки бурунга искаб чекиладиган нарса. *Бектемир қўлбола носдан бир чимдим тил тагига ташлаб, кейин тупурди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Холмирза ака ичидан: "Шу ғайратинг, шу ҳимматинг бўлса, икки йилда хирмонтепадан аниқ айриламиз", деб ўйлайди, бурнига нос искаб олади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Оғзига нос солмоқ *айн.* **оғзига толқон солмоқ** *қ.* **толқон**. *Оғзингга нос солиб ўтирасанми, Холиқ! Гапирсанг-чи!* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

НОСВОЙ *айн.* **нос.** *Қоратой, бир танга пул топиладими сенда. Носвой йўқ, эртадан бери хумориман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аравакаш чол носвой чекиб, отни қамчи билан астагина уриб қўяди.* Ойбек, Болалик.

НОСВОЙЧИ Нос тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи одам. *Дадам билан икковимиз.. чанг кўчалардан носвойчиникига қараб кетамиз.* Ойбек, Болалик.

НОСИЛКА [*р.* носилки < носить — кўтариб олиб бормоқ] Касалларни олиб юриш учун мосланган махсус замбил. *Носилкаларда ярадорларни иккинчи қаватга олиб чиқишади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

НОСИР [*а.* نصر — ёрдам, кўмак; ғалаба, ютуқ] **1: носирини ерга букмоқ** Обрўсини тўкмоқ, ерга букмоқ. *Бир куни одамлар олдида носиримни ерга букиб: "Сиз занглаган кетмонсиз, оловга тоблаб, ўткир эговда чархлаш керак" деса-я, юзсиз!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 Носир (эркаклар исми).

НОСКАШ Нос чекувчи. *Бувим саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.* Ғ. Ғулом, Менинг ўғригина болам.

НОСКИ [*р.* носок — бурунча, кичкина бурун *ёки* носить — кийиб юрмоқ] Тўқилган калта пайпоқ. *Марасул.. кир рўмолчасини олиб, Насибанинг қўлига беради, носкисини кўрсатиб, оёғини узатади.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

НОСОЗ [*ф.* ناساز — созланмаган, номутаносиб, номувофиқ; бетоб] **1** Соз эмас, созланмаган ёки сози бузилган (мусиқа асбоблари ҳақида).

2 Бирор мақсад учун мувофиқ келмайдиган; нобоп.

3 *кўчма* Муросаси, ораси бузуқ. *Улар бирбири билан носоз.*

НОСОЗЛИК 1 Муроса қилмаслик, муросасизлик. -*Энди мен билан ҳам қирпичоқ бўлмоқчимисиз, ўртоқ Муҳамедов? Яъни носозлик бошланяптими? — деди Сотиболдиев.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Бузилган, яроқсиз ҳолга келган ҳолат; бузуқлик, яроқсизлик. *Мутахассисларнинг фикрича, кеманинг ташқи ёнилғи бакида айрим носозликлар аниқланган.* Газетадан. *Ҳукуматнинг расмий вакили воқеага тезликнинг ошиши ёки поезд ғилдиракларидаги носозлик сабаб бўлган, деган фикрни билдирган.* Газетадан.

НОСОҒ *кам қўлл.* Соғ эмас, бирор дардкасали бор; касал, хаста.

НОСТРИФИКАЦИЯ [*нем.* Nostrifikation < *лот.* nostrum — бизники, бизга тегишли; ўзимизники; маҳаллий + facere — қилмоқ, ижро этмоқ] Муайян давлат томонидан чет эл дипломи, унвони, илмий даражасини ўз мамлакатидагига муқобил, тенг деб тан олиниши.

НОСФУРУШ Нос сотувчи.

НОСҚОВОҚ Нос солинадиган идиш, носдон, носкади.

НОТА I [*лот.* nota — белги; мулоҳаза, қайд этиш; хат, мактуб] *мус.* **1** Муайян баландлик ва чўзиқликдаги товушни (мусиқани) ёзиб олишда қўлланадиган шартли график белги. *Малика опера санъати сирларини ўрганиши, нота ёзувларини пухта эгаллаши учун тўққиз йил тинимсиз изланишда бўлди.* Газетадан.

2 Мусиқа ёки ашулада товушнинг ўзи. *Баланд нота. Паст нота.*

3 Шундай белгилар билан ёзилган мусиқа асари матни; шундай матнлар ёзилган дафтар, китоб ва ш. к. -*Композитор қайси чолғувчи қачон чалишини кўрсатиб берган, мана нотаси, — деди дирижёр Салоҳовга.* С. Аҳмад, Музикали воқеа.

НОТА II Бир давлатнинг бошқа бир давлатга ёзган расмий дипломатик мурожаатномаси. *Дипломатик нота. Россия ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига нотаси.*

НОТАВОН [*ф.* ناتوان — бўш, кучсиз, нимжон; камбағал, қашшоқ; бечора] **1** Ҳол-қудрати йўқ; заиф, нимжон, ногирон. *Нотавон кампир.*

2 *кўчма* Ночор, бечора. *[Гулбаҳор:] Мен ғурбат тортиб, бағри эзилган бир нотавонман, раҳм қилинг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Нотавон кўнгил *ёки* **нотавон кўнгилга қўтир жомашов** Ўзига муносибидан кўра юқорироқни, яхшироқни истаб қолган ёки ўзига номуносиб иш қилган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *-Э-ҳе, нотавон кўнглим қурсин, шундай қаҳрамон йигит турганда, менинг Шокирвойимни бошига бошвоқ қилармиди, — деди Зокир ота.* А. Муҳиддин, Зебонинг севгиси. *Билган у деди, билмаган бу. Ҳатто оғзига кучи етмаган баъзи бировлар.. «Нотавон кўнгилга қўтир жомашов», деб луқма ташлашарди.* С. Сиёев, Райҳон.

НОТАЙИН [но.. + тайин] **1** Кимлиги, нималиги ёки нима бўлиши аниқ эмас; ноаниқ, номаълум. *Нотайин шахс. Нотайин иш.* ▬ *Ҳовлидаги кекса тутга чироқ шуъласи тушиб, унда нотайин бир кўланка кезар, ичкаридан "ширт-ширт" этган товуш эшитилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ишониб бўлмайдиган, тайини, субути йўқ; бетайин. *Э.. Унинг ўзи шундақа нотайин, юзсиз одам!* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Аниқ-равшан эмас, дудмол, мужмал. *Нотайин гап.*

НОТАМОМ [но.. + тамом] *кам қўлл.* Охирига етмаган, тамом бўлмай қолган; чўлтоқ. *Ҳикоянгиз яхши, аммо нотамом.* А. Қаҳҳор, Сароб.

НОТАНИШ Танишлиги йўқ, аввал таниш-билиш, ошна бўлмаган, кўрилмаган; ёт, бегона. *Нотаниш одамлар орасига келаётганидан хижолат чекибми, унинг юзлари, кенг пешонасини майда тер босган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Адолат кўзини очганда, ўзини чоғроқ, нотаниш бир уйда кўрди.* С. Зуннунова, Гулхан.

НОТАРИАЛ Юридик ва б. турли ҳужжатларни расмийлаштиришга, нотариат ва нотариус вазифаларига оид. *Нотариал контора. Нотариал нусха.*

НОТАРИАТ [*лот.* notarius — мирза, котиб] Юридик аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқлар ва воқеа-ҳодисаларни тасдиқловчи давлат органлари тизими.

НОТАРИУС [*лот.* notarius — мирза, котиб] Турли хил юридик ҳужжатларни (шартнома, васиятнома, ишончнома ва ш. к. ни) гувоҳлантириш, тасдиқлаш ишларини амалга оширувчи мансабдор шахс. *Шунинг билан биргаликда жойларда давлат нотариуслари ҳам ишлаяпти.* Газетадан.

НОТЕКИС 1 Юзаси, юзи текис эмас, паст-баланд, ғадир-будир, ўйдим-чуқур. *Карталарда ҳали ҳам нотекис ерлар бор. Аъзоларни паст-баландни текислашга солиб, ерни бороналашга тайёрласак.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

2 Бир текисда бўлмаган, ўлчамлари ҳар хил, катта-кичик, паст-баланд. *Нотекис ғўзалар. Нотекис тақсимот. Нотекис ривожланиш.*

НОТЕКИСЛИК 1 Текис, бирдай эмаслик; ҳар хиллик. *Ҳаракатнинг нотекислиги.*

2 Нотекис, паст-баланд ер, жой. *Нотекисликларни тўғриламоқ.*

НОТИЖОРАТ [но.. + тижорат] *сфт.* Тижоратга оид, боғлиқ бўлмаган. *Фарғона вилоятида яна бир нотижорат ташкилот — вилоят кутубхоналар ассоциацияси фаолият кўрсата бошлади.* Газетадан.

НОТИНЧ 1 Шовқини ёки ҳаракати кўп, сершовқин, серқатнов. *Нотинч кўча.*

2 Тинчи, осойиши бузилган; безовта, бесаранжом. *Нотинч вақт. Бемаҳал нотинч қилмоқ.* ▬ *Унинг [Ҳакимбойваччанинг} ранги ўчган, кўзлари аллақандай нотинч.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ғалва, ташвиши кўп; серғалва, серташвиш, ташвишли. *Раҳматилла бирмунча вақт шаҳар маорифи бўлимида, бу ер нотинч бўлгандан кейин, музейда ишлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НОТИНЧЛИК 1 Тинчи бузилганлик, бесаранжомлик; сершовқинлик.

2 Осойишта бўлмаган ҳолат. *Неча йилдирки, қўшни Афғонистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда.* Газетадан.

НОТИНЧЛАНМОҚ *кам қўлл.* Бетоқат, безовта бўлмоқ, ташвишланмоқ. *Бой бизларни сўкади, оёғи куйган товуқдай, нотинчланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОТИҚ [*а.* ناطق – сўзловчи, гапирувчи; фикрловчи; диктор] Нутқ сўзловчи; гапга чечан, гапга уста, сўзамол. *Тўти холадай тўққиз ўғилнинг онаси, мажлисда нотиқ, теримда девкор аёлни жондан севмаслик мумкинми?* Ойбек, О. в. шабадалар.

НОТОБ [*ф.* ناتاب – кучсиз, нимжон; чидамсиз] Тоби йўқ, касал, бетоб. *Худо берган бир ўғил, бир қизим бор. Уларни нотоб деб эшитдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОТЎҚИМА *сфт.* Йигириш ва тўқувчилик усулларини қўлламаган ҳолда олинадиган (мато ҳақида). *Бу тола ва иплардан нотўқима материаллар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.* Газетадан.

НОТЎҒРИ 1 Ҳақиқатга мос келмайдиган; янглиш, хато. *Нотўғри фикр. Сўзни нотўғри ёзибсиз.* ▬ *Бу гапингиз нотўғри, қори, сизнинг илмингиз эскича илм. Колхозга янгича илм керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Орқада келаётган Мели полвон: -Айб ўзимизда ҳам бор, Эрмат ака. Биттамиз "Мана бу тўғри, мана бу нотўғри!" деб дадил гапиролмаймиз, – деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тартиб-қоидага, умумий меъёрга тўғри келмайдиган; ноўрин, ножўя, чакки. *Нотўғри иш. Нотўғри хатти-ҳаракат.* ▬ *Нотўғри тарбия ўсмирларнинг ножоиз йўлларга киришига замин яратади.* Газетадан.

НОУМИД [*ф.* ناامید] **1** Умиди йўқ, умидсиз, умидсизланган, ҳафсаласи пир бўлган. *Ноумид одам.* ▬ *Хотин кишини ҳамма вақт ноумид, норози кўриб ўрганган ва буни хотинлик латофати деб билган Сидиқжонга жувоннинг бу гаплари.. унча ботмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ишончни йўқотган ҳолда, ишончсиз равишда. *Ноумид бўлмоқ.* ▬ *Каскасини бошига тўнкариб, бир инграб қўйди-да, теваракка ноумид қаради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Ноумид шайтон *қ.* **шайтон 1.**

НОУТБУК, нотбук [*ингл.* notebook – дафтар; ёзув дафтарчаси] Одатда кичик япасқи чамадончага ўхшаш портатив шахсий компьютер; имкониятлари жиҳатидан оддий шахсий компьютерларга тенглаша олади ва уяли телефон орқали интернет билан боғланиши мумкин.

НОУ-ХАУ [*ингл.* know how – қандайлигини биламан] Ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган ва қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган, ҳали ҳаммага маълум бўлмаган техникавий билимлар, тажриба, кўникмалар, ҳужжатлар, ишлаб чиқариш сирлари; уларнинг моҳияти лицензион шартномалар ва б. битимлар тузишда изоҳланади. *Бу технология бир қатор «ноу-хау»ни ўз ичига олади.* Газетадан.

НОХОЛИС [но.. + холис] Холис бўлмаган, ғаразли; ҳақиқатга зид. *Марказий сайлов комиссияси ҳисоботи пайдо бўлгандан кейин, сайловларимиз ҳақида нохолис фикрлар, аччиқ-нордон гаплар бўлиши мумкин.* Газетадан.

НОХОСДАН *рвш.* Бехосдан, қўққисдан, кутилмаганда. *Нега бундай нохосдан шаҳар бормоқчи бўлдингиз?* С. Айний, Эсдаликлар.

НОХУН [*ф.* ناخن – тирноқ; чангал] Танбур, сато ва доира чалиш учун ишлатиладиган махсус металл мослама. *Рашид ота танбурнинг ғилофини очиб, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғига нохун кийди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

НОХУНА [*ф.* ناخونه – кўз доғи, кўзга тушадиган оқ] Кўзнинг бурчагида пайдо бўладиган оқроқ бир парча гўшт (даволанмаса, катталашиб кўзни кўр қилиб қўяди). *Мусулмонлар орасида.. бир касал ҳукм суриб келаётибдир.. бу касал қулғуна ва қайсари нохунадан ҳам ёмонроқ.* «Муштум».

НОХУШ [*ф.* ناخوش – бемор, касал; ёқимсиз, жирканч; ғамгин; кўнгли тўлмаган, норози] **1** Таъби хира, кайфияти ёмон, бузуқ. *Эрталаб Маҳкам уни нохуш аҳволда кўриб, яна муросалари келишмаганини сезди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Гулсум нохуш кўринарди. Унинг кўнгли нимагадир ғаш экани юзидан билиниб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Хуш келмайдиган, ёқимсиз, кўнгилсиз. *Нохуш хабар. Нохуш гап.* ▬ *Унинг [Мунисхоннинг] юзи заъфарон бўлди. Айниқса, бугун эрталаб почтальон ташлаб кетган газета нохуш хабар келтирди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

3 Носоғ, бетоб, касал. *[Башорат хола] Кечга яқин ўзини нохуш сезиб, вақтли ётиб қолди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

НОЧОР [*ф.* ناچار – мажбурий, ноилож; чорасиз; ожиз, нотавон] **1** *рвш.* Ўз майлига, хоҳишига қарши; чорасиз, ноилож. *Қош қорайиб қолгач, улар ночор шийпонга қайтишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Адолат*

кетгиси келмаса ҳам, ночор ўрнидан турди. С. Зуннунова, Гулхан.

2 *сфт.* Камбағал, бечора; хароб, абгор. *Ночор хўжалик.* ▬ *Ҳовли анча ночор, уйнинг қамиш бўғотини ёмғир суви ўпириб тушган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

НОЧОРЛИК Қийин, мушкул аҳвол; иложсизлик; муҳтожлик, камбағаллик. *-Ер олган кўкаради, ер сотган қурийди. Мана бу гапнинг мағзини чақ, жиян! -Ночорлик, тоға.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОШАРЪИЙ [но.. + шаръий] *дин.* Шариатда йўл қўйилмайдиган, шариатга хилоф; ғайришаръий. *-Буровнинг келини билан менинг ишим нима, Қулматвой! Қўйинг, ношаръий гаплар билан оғзингизни чарчатманг, — деди Ғани ота.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

НОШИР [*а.* ناشر — тарқатувчи, нашр этувчи] Нашр этувчи, чоп қилувчи, чиқарувчи.

НОШИРЛИК Нашриётлар ташкил этиш, турли хил босма маҳсулотларни тайёрлаш, нашр қилиш ва уни тарқатишга оид соҳа. *Истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, ноширлик фаолиятини ҳам тартибга солиш муҳимдир.* Газетадан.

НОШОД [*ф.* ناشاد — шод, хурсанд эмас, ғамгин; норози, хафа; бахтсиз] *кам қўлл. кт.* Шод, хурсанд эмас, кайфи бузуқ. *Зотан ким ҳам буларга Қилсин марҳамат, имдод. Ўзлари каби кўплар Таҳқирланган ва ношод.* Ғайратий.

НОШОЁН [*ф.* ناشایان — арзимайдиган, нолойиқ; эътиборни тортмайдиган] *кам қўлл. кт.* Нолойиқ, номуносиб, ножўя. *Ношоён ибора. Ношоён қилиқ.*

НОШУД [*ф.* ناشد — номумкин, амалга ошмайдиган, реал бўлмаган] Қўлидан ҳеч иш келмайдиган, ҳеч қандай ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган; эпсиз, эпашанг, лаванг. *У ўзи танлаган уч ношуд навкари билан беш кишилашиб битта ҳам кийик уролмаганликларига диққат.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Шундай катта даргоҳдан ўрин тополмай, қўлингни бурнингга тиқиб қайтдингми, ношуд!* Ойбек, Танланган асарлар.

НОШУКУР [но.. + шукур] Борига қаноат, шукур қилмайдиган; яхшиликни билмайдиган; кўрнамак. *-Ношукур экансиз, опа, — деди [Зайнаб], — поччамдан нолишингиз яхши эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Роҳила:] Ҳой, ношукур! Бахт қуши одамнинг бошига бир марта қўнади-я! Ўқиш ҳамма вақт бўлаверади, — магазин тўла китоб!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

НОШУКУРЛИК *айн.* **ношукурчилик.** *Чирчиқ дарёсига бундай муносабатда бўлиш ношукурлик, гуноҳи азим эмасми?* Газетадан.

НОШУКУРЧИЛИК Борига қаноат, шукур қилмаслик; кўрнамаклик. *Ношукурчилик бўлмасин, пулни, дон-дунни етказиб беришади, пулга нима оласан, донни нима билан ютасан, дейишмайди.* И. Раҳим, Занголи кема капитани. *Нурмат бобонинг содда, кайвони гапларидан сўнг мен риёкорлик, ношукурчилик ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим.* Газетадан.

НОЯБРЬ [*лот.* november — тўққизинчи] Григорий календарида йилнинг ўн биринчи ойи (Қадимий Рим календарида 9-ой).

НОЎРИН 1 Ўринли эмас, ножўя, чакки; бемаврид. *Ноўрин гап.*

2 Етарли асосга эга бўлмаган; асоссиз, пуч. *Ноўрин даъво. Ноўрин талаб.*

НОҚИЛ [*а.* ناقل — ҳикоя қилиб берувчи; қайта кўчирувчи] *эск. кт.* Нақл қилувчи, ҳикоя айтувчи.

НОҚИС [*а.* ناقص — етишмайдиган, кам топиладиган; нуқсонли; нотўлиқ] Камчилиги, нуқсони бор, нуқсонли.

НОҚОБИЛ [но.. + қобил] **1** Қобилияти, лаёқати йўқ; лаёқатсиз. *Шарқ халқларини ҳақорат қилмоқ, улар ақли, қобилияти чала, тарихий ижодга ноқобил деб исботламоқ.. учун буржуазия идеологлари мингминг томлаб китоб ёздилар.* Ш. Рашидов, Танланган асарлар. *Майда ишга зўр берган одам каттасига ноқобил бўлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Сўзга кирмайдиган; ўжар, қайсар. *[Ёрмат] Ҳалқумини бўғган йиғидан қийналиб, базўр гапирди: -Алҳамдулилло, кўрдим, тирик экансан, ноқобил болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Хулқи ёмон, ярамас. *Ноқобил ўғил.* ▬ *Ҳали ҳам анов.. маҳсидўзникидамисан? Аканг — тентак йигит, кўп ноқобил чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОҚОНУНИЙ [но.. + қонуний] Қонунга зид, қонуний бўлмаган. *Агар ҳуқуқшунос-маслаҳатчи фаолият юритганда эди, ноқонуний қарорлар қабул қилинишининг олди олинарди.* Газетадан. *Эрон ҳукумати мамла-*

катдан ноқонуний олиб чиқиб кетилган маданий-тарихий ёдгорликларни қайтаришни АҚШдан талаб қилмоқда. Газетадан.

НОҚУЛАЙ 1 Иш-ҳаракат учун қулайлиги йўқ; қулайлик бермайдиган, қўл келмайдиган; ўнғайсиз. *Ноқулай кресло.* ▬ *Бектемир ноқулай ерда узала тушиб ётар ва тинмасдан отар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Мувофиқ келмайдиган, номувофиқ. *Ноқулай пайт.* ▬ *Баҳорда об-ҳаво ноқулай келишига қарамасдан, бу звенодаги кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасида пахтадан яна мўл ҳосил етиштирилди.* Н. Сафаров, Қурбонали.

3 Кишини ўнғайсиз аҳволга соладиган, хижолат қиладиган; хижолатли. *Бу гапни унга сиз айтинг, менга ноқулай.*

НОҒОРА [*а.* نقاره – кичик ноғора] Туваксимон сополга тери қоплаб ясалган ва иккита чўп билан уриб чалинадиган бир жуфт мусиқа асбоби. *Ноғора овози. Ноғора чалмоқ.* ▬ *Ноғора чўпининг тез урилиши, баччанинг бир айланиши ва кучли, ялпи қийқириқ билан базмнинг биринчи қисми тугади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ноғора қилмоқ Жар солиб ҳаммага маълум қилмоқ, дўмбира қилмоқ. *Қарасам, айбимни оламга ноғора қиладиган.* «Муштум». **[Бировнинг] ноғорасига ўйнамоқ** Бировнинг айтганини қилмоқ, бировнинг изми, гапи билан иш қилмоқ. *Йўқ, деб кўринг-чи, правление Ойқиз билан Олимжоннинг ноғорасига ўйнайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Тўйдан кейин ноғора** Вақти ўтгандан сўнг, ғанимат фурсат қўлдан берилгандан кейин ғайрат кўрсатилганда айтиладиган ибора. **Тўйдан олдин ноғора чалмоқ** (*ёки* **қоқмоқ**) Ўзи йўқ, ҳали бўлмаган нарса ҳақида жар солмоқ. *Узоқ тўйга олдиндан ноғора қоқиш ярамайди.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Ўзингга боқ – ноғора қоқ** Аввал ўзингга қара, сўнгра бировнинг айби, камчилиги ҳақида гапир.

НОҒОРАЧИ Ноғора чалувчи.

НОҲАҚ [но.. + ҳақ] **1** Қонунга хилоф, зид; ғайриқонуний. *Тунов кун унга [Ўрмон полвонга] бориб, "бизнинг ғаллаларимизни ноҳақ ва зўр билан босиб олдилар", деб арз қилган оёқ яланг деҳқон, чўпон ва ўтинкашлар кириб келдилар..* С. Айний, Қуллар. *Кўнгил тўла армон, йўқдир дармон, Оҳ, ҳар кун ноҳақ қурбон, мудҳиш қон.* С. Абдулла.

2 Ҳаққоний бўлмаган, адолатсиз, нотўғри. *Ноҳақ ҳукм. Ноҳақ ишга ривож йўқ.* Мақол. ▬ *Ноҳақ ишга куяман.. Бой, камбағал, мулла, эшон демасдан, ҳамманинг боласига бир текис қаралса, отамга лаънат, ўғлимни юбормасам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Маҳкам.. ноҳақ гаплардан қаттиқ норози бўлиб, яна юзининг қони қоча бошлади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 *кесим взф.* Ҳақли эмас. *Ким ҳақ, ким ноҳақ – аниқ бўлди. Бу масалада сиз ноҳақсиз.*

НОҲАҚЛИК 1 Ғайриқонунийлик, адолатсизлик; ҳақ эмаслик. *-Ҳа, кечирасизлар, ўртоқлар, айтгандай, раиснинг сўзидаги ноҳақликларни айтмай бўлмайди, – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ноҳақ иш, хатти-ҳаракат. *Дадаси оддий темирчи бўлса ҳам, ноҳақликка қарши курашда ўз жонини аямай, янгича ҳаёт учун курашган ажойиб кишилардан бўлган!* С. Анорбоев, Оқсой.

НОҲУКУМАТ [но.. + ҳукумат] *сфт.* Ҳукуматга тегишли эмас, ҳукуматники бўлмаган. *Республикамизда ўн учта ноҳукумат ташкилот ишлаб турибди.* Газетадан.

НУЖУМ [*а.* نجوم – юлдузлар; юлдузлар жадвали, гороскоп]: **илми нужум** *эск. кт. айн.* **астрология**. *Мадрасаларда Улуғбек замонида ўқитилган илми нужум ва риёзиёт фанлари чиқариб ташланган, муллаваччалар фақат диний масалаларнигина ўрганар эди.* М. Осим, Элчилар.

НУКЛОН [*лот.* nucleus – ядро; мағиз] Атом ядроларининг таркибий қисмлари бўлмиш протон ва нейтронларнинг умумий номи.

НУКТА [*а.* نكته – ўткир, донолик билан айтилган гап; қочирим; туб маъно, моҳият; нозик тафсилот, икир-чикир] Мулойим гап-сўз, рамзу ишоралар билан ифодаланган жумла, гап.

НУКТАДОН [нукта + *ф.* دان – билувчи, билағон] *кам. қўлл. айн.* **нуктафаҳм.** *Нуктадон олим.*

НУКТАФАҲМ [нукта + фаҳм] *кам. қўлл.* Масаланинг туб моҳиятини, нозик, майда-чуйда тафсилотларини яхши биладиган, ўткир фикрловчи. *Эргаш ака туғма олим, нуктафаҳм матншунос ва манбашунос эди.* Газетадан.

НУЛЛИФИКАЦИЯ [*лот.* nullificatio – йўқотиш] Бирор ҳужжатни, қонунни қонунийликдан маҳрум этиш, бекор қилиш.

НУМИЗМАТИКА [*лот.* numisma – танга] Тангалар ва уларни зарб қилиш, танга, ёмби шаклидаги пул муомаласи тарихини ўрганувчи ёрдамчи тарих фани. *Унинг [музейнинг] экспозиция ва фондлари.. археология ва нумизматика, антропология, этнография бўлимлари билан бойитилади.* Газетадан.

НУР [*а.* نور – ёруғлик, ёғду] **1** Ёруғлик манбаидан таралган ва ингичка тола кўринишида тасаввур этиладиган зиё, ёғду. *Қуёш нури. Ой хира нур сочмоқда.*

2 *физ.* Мусбат ёки манфий зарралар, электромагнит тебранишлар оқими. *Рентген нурлари. Катод нурлари.*

Нур касаллиги (*ёки* **касали**) Радиоактив нурларнинг организмга таъсир этишидан юзага келадиган касаллик. *Чернобиль авариясини бартараф этишда иштирок этган кўпчилик ватандошларимиз нур касаллигига чалинмасликлари учун профилактика ишлари амалга оширилди.* Газетадан. *Натижада японларнинг бир қисми нур касалига мубтало бўлиб қолган.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

3 Умуман, ёруғлик, зиё; ёруғлик энергияси. *Электр нури.* ▬ *Балиқ тирик сув билан, Гиёҳ яшар нур билан, Денгиз равшан дур билан, Инсон эркин у билан.* Қ. Муҳаммадий.

4 *кўчма* Ҳақиқат, бахт-саодат, эркинлик, маърифат рамзи. *Билим нури.* ▬ *Кўча жанги бошланганди. Зулмат билан нур тўқнашган, ҳаёт-мамот уруши бормоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Кўз нури Ардоқли, кўз қорачиғидай азиз киши (асосан фарзанд ҳақида). *У [она] Гулнор каби севикли қизини, кўз нурини оловга отиб, яна унинг бахт ва саодати тўғрисида насиҳат қилиши керак.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўз нурини тўкиб** Узоқ вақт кўз узмай, кучини аямай, қунт билан. *Кўз нурини тўкиб ишламоқ.* **Нур ало** *(ёки* **устига) нур** Яна ҳам яхши, кўнгилдагидан ҳам аъло. *Ихтиёр ўзингизда, қутлайман десангиз айтиб кўринг, хўп деса – нур ало нур.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Нури дийда** *қ.* **дийда.**

5 Нур (эркаклар исми).

НУРАМОҚ 1 Эскириб емирилмоқ, бузилмоқ. *Бўтабой.. баҳор ёмғирида нураган ўчоқни яхшилаб сувади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Келган киши, овоз чиқмагандан кейин, эшик ёнидаги нураб қолган девор устидан мўралай бошлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Табиий куч (шамол, зилзила, атмосфера ёғинлари ва ш.к.) таъсирида емирилмоқ, ўзгармоқ.

3 *кўчма* Ичдан зил кетмоқ, емирилмоқ. *Маърифат ва билимга муштоқ бу йигит, нураб кетган эски дунёдан кўрган жафоларини хотирлаб, ўтмишга лаънатлар айтар эди.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

НУРАТМОҚ Емирмоқ, бузмоқ, йўқ қилмоқ. *Йиллар – асрларни қувиб ўтади. Томирсиз ишларни ювиб ўтади. Аммо юволмайди, нуратолмайди, Биз қўйган ғиштларни қулатолмайди.* Ғ. Ғулом.

НУРАФШОН [*а.* + *ф.* نورافشان – нур сочувчи, нур тарқатувчи] *кт.* Нур сочувчи, нурли, порлоқ. *Юртимизнинг нурафшон эртаси ёшларимизнинг янада юқори чўққилар сари интилишига имкон яратмоқда.* Газетадан.

НУРАШ 1 Нурамоқ фл. ҳар. н.

2 *геол.* Тоғ жинслари ва минералларнинг шамол, атмосфера ҳодисалари ва ш.к. таъсирида бузилиш ва емирилиш жараёни. *Нураш конлари. Нураш пўсти.*

НУРЛАНМОҚ 1 Нур сочмоқ; нур билан ёритмоқ; порламоқ. *Ой хира нурланиб турибди.*

2 *физ.* Ўзидан нурли энергия чиқармоқ. *Радиоактив моддаларнинг нурланиши.*

3 *кўчма* Ёрқин намоён бўлмоқ, акс этмоқ, порламоқ. *Ефим Даниловичнинг юзида оталик меҳрининг ажойиб илиқлиги нурланди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

НУРЛАНТИРМОҚ 1 Нур билан ёритмоқ, кўринадиган қилмоқ. *Мана, ҳовли орқасидаги чакалакдан секин-секин ой кўрина бошлади. Кечанинг қоронғисида эриб йўқолган дарахтларни нурлантириб, уларга кўркам хаёлий манзаралар шаклини беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор манба нурини йўналтирмоқ, ёғдирмоқ (даволаш ёки бошқа бирор мақсад билан). *Оғриқ жойини кварц лампа билан нурлантирмоқ.* ▬ *Даволаш мақсадида тирик организм ультрабинафша.. нурлар билан сунъий нурлантирилади.* «ЎзМЭ».

НУРЛИ 1 Нур, ёғду берадиган; ёғдули. *Нурли қуёш. Нурли энергия (физ.).*

2 *кўчма* Ёруғ, равшан, порлоқ. *Даданг урушда ғолиб бўлиб, омон-эсон қайтсин. Бу нурли кунларни кўриб яйрасин.* Ойдин, Ҳикоялар.

НУРОНИЙ [*а.* + *ф.* نورانى – ёрқин, порлоқ; нурли; файзли, истараси иссиқ] **1** Юзидан нур ёғилиб турадиган, файзли (кексалар ҳақида). *Салим ота нуроний, хушчақчақ киши эди.* Газетадан.

2 Кекса, оқсоқол; ветеран. *Марказ биносида нуронийлар кенгаши, ногиронлар жамияти жойлашган.* Газетадан.

НУРСИЗ 1 Нур бермайдиган ёки ёритилмаган; хира. *Ҳамиджон ойнинг нурсиз ёруғи тушиб турган деразадан кўчага қаради.* Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун.

2 *кўчма* Қони қочган, рангпар; хира (юз, кўз ҳақида). -*Кунимиз қурсин, Жумагул. Сен ҳам ҳалак, мен ҳам, – дерди чол нурсиз кўзларидан оққан ёшни артиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Унинг [афғон чойфурушнинг] азалдан кулга ўхшаш нурсиз юзи баттар қорайиб кетгандай кўринди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *кўчма* Бадиий жиҳатдан бўш, қизиғи йўқ, мазмунсиз. *Нурсиз асар.*

4 *кўчма* Рўшноликдан йироқ, оғир. *Тийрак Ҳамиднинг нурсиз ҳаётини безаган бирдан-бир нарса онаси Комила опанинг сўзлаган эртаклари.. бўлди.* «Ўзбек адабиёти».

НУРСИЗЛАНМОҚ Нури кетиб, қони қочиб хираланмоқ, хира тортмоқ. *Нурсизланган юзига қон югуриб тиниқланди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

НУСРАТ [*а.* نصرت – ёрдам; ғалаба] *эск. кт.* **1** Ёрдам, мадад, кўмак. *Менинг нусратим, кароматим шу – киндик қоним тўкилган ерга меҳрим, холос.* Н. Ёқубов, Бўсағада.

2 Ғалаба, зафар.

3 Нусрат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

НУСХА [*а.* نسخه – андоза, ўхшаш, намуна; адад, дона] **1** Бир турдаги нарсалар ҳақида тасаввур берадиган намуна. *Молларнинг нусхалари.* ▬ *Улар буни [альбомни] варақлаб, керакли газламаларнинг парча-пурча нусхаларини кўриб, (материал) танлайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир хил қилиб ясаш, кўчириш учун тайёрланган буюм намунаси, андаза; қолип. *Эндиги хатни ниҳоятда эҳтиёт билан, нусхага қараб ёздиришни кўнглидан ўтказди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Гул, нақш ва ш. к. нинг тури; шундай гул, нақш тури билан ишланган маҳсулот. *Дўппининг чуст нусхаси.* ▬ *Ягона машаққати – қизга безак моллари тайёрлаш, янги нусхалар топтириш, чеварларга тиктириш ва ҳоказодан иборат.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Босма ёки ёзма асарнинг ҳар бир донаси. *Китоб минг нусха босилди.* ▬ *Тошкентда бу китобдан фақат икки нусха бор, холос.* С. Аҳмад, Ҳукм. *«Чағаниён» газетаси қарийб 8 минг нусхада чоп этилади.* Газетадан.

5 Бирор нарсанинг аслидан олинган кўчирма. *Баённома нусхаси. Нусха олмоқ. Нусха кўчирмоқ,.*

6 *с. т.* Бирор салбий тоифага мансуб одам. *Умуман олганда, тухматчи нусхалар йўқолиб боряпти.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 *шв.* Афт, башара, ангор. *Нусханг қурсин. Нусхангни кўрсатма.*

НУСҚА *с. т.* Нусха.

НУТРИЯ [*исп.* nutria] Сувда яшайдиган, қимматбаҳо мўйнаси учун фермаларда боқиб кўпайтириладиган кемирувчи ҳайвон. *Мўйначилик фермаларида яқин-яқингача нутрия боқиш ва уни кўпайтириш яхши йўлга қўйилмаган эди.* Газетадан.

НУТҚ [*а.* نطق – сўзлаш, нутқ; гапириш қобилияти] **1** Тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши; сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шу жараённинг ҳосиласи. *Нутқи ёмон. Боланинг нутқини ўстирмоқ.* ▬ *Очилнинг нутқи.. яхши эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Нутқ аъзолари Одам организмининг нутқ товушлари ҳосил бўлишида қатнашадиган турли қисмлари (тил, лаб, тиш, ҳиқилдоқ ва б.). **Нутқ товушлари** Нутқни вужудга келтирувчи, инсон томонидан талаффуз қилинадиган товушлар.

2 Амалдаги, сўзлашув жараёнидаги тил. *Нутқ маданияти. Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириктириб, гап тузамиз.*

3 Тилнинг алоқа-аралашув мақсади ва шароитига қараб лисоний воситалардан мувофиғини танлаб ишлатиш билан фарқланувчи тури, услуб. *Поэтик нутқ. Бадиий нутқ. Оғзаки нутқ.*

4 Жамоат олдида айтиладиган, ўқиладиган гап, ваъз. *Оташин нутқ. Ҳаяжонли нутқ. Нотиқнинг нутқи. Нутқ сўзламоқ. Нутққа тайёрланмоқ.*

НУФУЗ [*а.* نفوذ – таъсир; обрў-эътибор] Обрў-эътибор; таъсир. *Бек ўз нуфузининг йўқолиб бораётганидан диққати ошиб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бугун Ўзбекис-*

тоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузи борлигидан фахрлансак арзийди. Газетадан.

НУФУЗЛИ Обрў-эътиборли; таъсирли. *Нуфузли кишилар.* ▬ *Шу сабабли бу йил мазкур нуфузли уюшмага Ўзбекистон Марказий давлат депозитарийси аъзо этиб қабул қилинди.* Газетадан.

НУФУС [*а.* نفوس – аҳоли, халқ] *айн.* **аҳоли.** *Шаҳримиз нуфуси уч миллионга яқинлашди.*

НУЧУК *с. т.* Нечик, қандай. *Модомики шундоқ экан, қори шундоқ қилишга нучук журъат қилди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НУҚРА [*а.* نقره – кумуш] *поэт. айн.* **кумуш 1.**

НУҚС [*а.* نقص – етишмовчилик; камайиш; нуқсон, камчилик] Нуқсон, камчилик. [*Махдум:*] *..камина ва ожизамизда бир қанча гуноҳлар, нуқслар, узрлар бор, тақсирлар!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Домла ҳикоядаги суратларни кўрди. Сўнгра ўрта бир еридан бир-икки жумла ўқиб, тилидан нуқс топди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Нуқси урди Таъсири урди, таъсири ўтди. *Шербекка меҳнат билан ўтган кунларнинг нуқси урди. Сезиларли озди. Олдин қон томиб турган юзлари қорайиб пишди.* С. Анорбоев, Оқсой.

НУҚСОН [*а.* نقصان – камайиш, озайиш; камчилик, нуқс] **1** Киши номига номуносиб, уни салбий жиҳатдан кўрсатадиган белги; камчилик, иллат, қусур, айб. *Унинг бир нуқсони – ёлғончилиги.* ▬ *Қизини еркўкка ишонмаган, унинг бутун нуқсонларини бир фазилат деб билган онаси.. бу қизни катта шавкат ва дабдаба билан узатишни орзу қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Жисмоний ёки руҳий камчилик, иллат. *Унинг бир нуқсони бор: сал оқсаб юради.*

3 Сифат жиҳатидан етишмовчилик, камчилик, кам-кўст. *Ёғочнинг нуқсонлари. Ишдаги нуқсонлар.*

НУҚСОНЛИ Нуқсони, камчилиги, иллати, айби бор; қусурли. *Нуқсонли мол. Нуқсонли бола.* ▬ *Нуқсонли деб топган нуқталарни ишловчиларга малол келтирмасдангина танқид қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Сорахон Саидийнинг нуқсонли бўлишидан манфаатдор эмас!* А. Қаҳҳор, Сароб.

НУҚТА [*а.* نقطه – нуқта; пункт, пост; томчи; тиниш белгиси] **1** Макон ёки фазодаги маълум бир ўрин; пункт. *Бир нуқтага тикилиб қолмоқ.* ▬ *Ҳар вақтдагидан кўркамроқ, тиниқроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқтасида қотган каби.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дарак гап ва тинч оҳанг билан айтиладиган ундов гап охирида, шунингдек, шартли қисқартмаларда қўлланадиган тиниш белгиси (.).

Гапга нуқта қўймоқ Гапни тугатмоқ, бораётган баҳс-мунозарани тўхтатмоқ, якунламоқ. **Икки** *(ёки* **қўш***)* **нуқта** Уюшиқ бўлаклар умумлаштирувчи сўздан кейин, шунингдек, кўчирма гаплар муаллиф гапидан сўнг келганда қўйиладиган тиниш белгиси (:). **Кўп нуқта** Матнда тушириб қолдирилган парча ўрнига, мазмуни тугамаган гаплар охирига қўйиладиган уч нуқта (...).

3 Нота ёзуви, географик харита, план кабиларда бирор нарсанинг шартли ифодаси бўлган белги(.). *Шаҳарнинг планини келтириб берди ва дорилфунунга борадиган трамвай йўлини қизил сиёҳ билан чизиб, тушиладиган ерларга қизил нуқталар қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Маълум бир тармоқли тизимда бирор тармоқ, нарса ўрнашган жой, пункт. *Пулемёт нуқтаси. Савдо тармоқларининг нуқталари.* ▬ *Артиллерия худди рўпарадан отгандай душман окопларини, ўт очиш нуқталарини бирин-кетин тор-мор қилмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 Математикада, механикада, физикада ўлчови йўқ пункт, ўрин, кесмалар чегараси. *А нуқта билан Б нуқта ораси. Тўғри чизиқларнинг кесишган нуқтаси.*

Таянч нуқтаси *физ.* Ричаг таянган жой. **Уриниш нуқтаси** *мат.* Бир чизиқнинг иккинчи чизиққа уриниб ўтган ери.

6 *физ.* Модданинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш пайти, чегараси (ҳарорат билан боғлиқ). *Қайнаш нуқтаси, Музлаш нуқтаси. Эриш нуқтаси.*

7 Воқеа, ҳодиса, ижтимоий тараққиёт ва ш.к. жараёнларда маълум бир пайт, чегара.

Нуқтаи назар *қ.* **назар**.

НУҚТАВОР *снт.* Нуқталар асосида яратилган нақш.

НУҚТАЛИ Нуқтаси бор.

Нуқтали вергул Қўшма гапларда ёйиқ ва кўпроқ мустақил бўлган бўлакларни ажратишда, шунингдек, гапнинг мураккаб уюшиқ бўлаклари гуруҳланганда қўлланадиган тиниш белгиси (;).

НУҚУЛ [*а.* نقول — «нақл» с. кўпл.: бир жойдан иккинчи жойга кўчириш; узатиш, ўтказиш; таржима] *рвш.* **1** Турган-битгани, бошдан-оёқ. *-Ҳа, — дейди Холмирза ака, — мана шу хирмонтепанинг тупроғи нуқул гўнг-да.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Тепалик нуқул қайинлар билан қопланган эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ҳеч нарса аралашмаган, соф, тоза. *Безаклар нуқул олтиндан.*

3 *рвш.* Доимий равишда, доимо, ҳадеб, фақат. *Қурбон ота.. ўзи кўрган томошаларни негадир Ўрмонжон кўрмаган гумон қилиб, нуқул унга таърифлар, қайта-қайта мақтар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НЎНОҚ Уддабурон эмас; эпсиз, ношуд. *Гапга нўноқ одам.* ▬ *У гап орасида Ашир маҳрамнинг яхши томонларини таърифлаган бўлиб, лекин "ҳали ҳарбий ишларга нўноқ", деб қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

НЎХАТ [*ф.* نخود] Бир йиллик дуккакли ўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган, мошдан каттароқ, юмалоқ сариқ дони. *Қовурилган нўхат. Нўхат шўрва.*

НЎХАТГУЛ Дуккакдошлар оиласига мансуб бир йиллик сертук ўт. *Тоғ ёнбағирлари лолақизғалдоқ, чучмома, нўхатгул билан қопланиб, ўзгача бир чирой бағишлаган эди.* Газетадан.

НЎХАТХЎРАК [нўхат + хўрак] Нўхатдан зираворлар қўшиб тайёрланадиган қуюқ таом.

НЎХАТШЎРАК [нўхат + шўрак] Нўхатни гўшт билан қайнатиб, димлаб тайёрланадиган тансиқ овқат.

НЎХАТШЎРАКЧИ Нўхатшўрак пишириш ва сотиш билан шуғулланувчи одам. *Бир чеккада оғзи қулоғига етган.. нўхатшўракчилар ёш болаларнинг пулларини алдаб олмоқдалар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

НЎХТА От-уловни боғлаш, етаклаш, ҳайдаш учун бошига солинадиган абзал. *Отнинг юганини бошига солиб, нўхтани хуржунга тиқиб.. отга минди.* С. Айний, Қуллар. *Майна эшакнинг нўхтасидан ушлаганича, нарироқда ерга қараб турарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

НЎХТАЛАМОҚ 1 Нўхта солмоқ. *[Зулфизар] ..қора қашқа отни саралаб олди, эгарлаб, нўхталаб, ишни яхши пухталаб, Истамбул кўчаларини ўрталаб, канизлар олдига етди.* «Зулфизар билан Авазхон».

2 *кўчма* Ўз эрк-ихтиёрига бўйсундириб олмоқ, ўз измига солиб олмоқ, жиловламоқ. *Синф раҳбари жуда зўр муаллим-ку, наҳотки, улар ҳам асовни нўхталаб ололмасалар, а?* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

НЎШ I [*ф.* نوش — ичиш; ширин ичимлик]: **нўш айламоқ** *(ёки* **этмоқ)** *эск. кт. айн.* **ичмоқ**.

НЎШ II: **нўш пиёз** Кузда тиқма қилиб экилган пиёз.

НЎҚИМОҚ *шв.* Туртмоқ, ниқтамоқ. *-Мингбоши! — деди у [ҳоким], қўлидаги ўрма қамчисининг юлғун сопи билан додхоҳ қорнини нўқиб. — Бўлисингда ишга чиқмайдиган биттаям одам бўлмаслиги керак!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НЎҒАЙ *қ.* **нўғайлар**. *Нўғай тили. Нўғай аёл.*

Нўғай дўппи Тепаси ясси чамбар дўппи. **Нўғай чой** *с. т.* Оқ чой, сутли чой. **Нўғай қошиқ** *с. т.* Гулли заранг (ёғоч) қошиқ.

НЎҒАЙЛАР 1 *с. т. эск.* Татарлар.

2 Россия Федерациясининг Ставрополь ўлкаси, Доғистон, Чеченистон, Ингушистон республикаларида яшовчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ.



О (*чўзиқ) унд. с.* **1** Завқланганликни ёки мамнунликни билдиради. *О, қандай гўзал манзара!* ▬ *Ойни чўмилтирган тинч тунларингни Тушимда кўрганда не қиларман, о?* У. Носир.

2 Ҳайратни, ажабланишни ифодалайди. *О, у юрак, о, у тилла бош, Ёлим учун чиққанми эдинг?* У. Носир.

3 Мурожаатда фикрни қувватлаш, кучайтириш учун қўлланади. *О, қандай бефаросатсиз, дуддан бу уйларда туриб бўлмайди-ку!* С. Нуров, Нарвон.

4 Сўзнинг охирида келиб, хитоб, нидони англатади. *Собир-о! Собир!.*

ОБ [*ф.* آب – сув] **1** Сув. *Бўлса – оби, бўлмаса – ёби.* Мақол.

Об бўлмоқ Сувда ёки ёмғирда ивиб, шалаббо бўлиб кетмоқ.

2 Форс тилидан изофа шаклида бир бутун сўз тарзида ўзлашган бирикмалар, шунингдек, тенг боғловчили ёки боғловчисиз жуфт сўзлар таркибида келиб, уларнинг сувга, намлик ва захга алоқадорлигини билдиради (Имлода изофали бирикмалар яхлит сўз сифатида қўшиб, жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилади). Мас., *обидийда* – кўз ёши, *об-ҳаво* ёки *обу ҳаво* каби. *Шийпонни айланиб кўриб, Зумраднинг кўнгли синди: ҳамон ўша байроқ, ўша гўштсиз об-ёвғон, қўша қора қумғон, тол тагига осилган қадимий беланчаклар..* С. Сиёев. *Жуда обу тобида, мазали пишган ҳолва, мураббо ёки овқатни ҳам халқимиз «қиём бўлиб кетибди», дейди.* Н. Аминов.

3 *махс.* Ойнанинг (кўзгунинг) орқасига берилган сир, амальгама.

Об бермоқ Сирламоқ, жило бермоқ, амальгама суртмоқ.

ОБАКИ I [*ф.* آبکی – сувли, суюқ; серсув, ширали] Оқ чиллакига ўхшаш, ўртапишар маҳаллий узум нави. *Обаки Тошкент, Сирдарё, Наманган вилоятларида кўп экилади.* Газетадан.

ОБАКИ II [*ф.* آبکی] *айн.* **обакидандон.** *Сесканиб тушган Салтанат, обаки шимиб лаззатланаётган ёш боладай, қалампирни шимарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ОБАКИДАНДОН [*ф.* آبکی – суюқ, сувли + دندان – тиш] Шакар қиёмидан тайёрланган ширинлик тури. *Пенсияга борса, бир қарич келадиган қизил обакидандон, бир дўппи олиб келади. Ойхонга ҳам эрмак топилди, уларнинг қилиқларига қараб, қаҳ-қаҳ уриб кулгани-кулган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОББА *унд. с.* **1** Ҳайрат, таажжуб билдиради. -*Обба, бобожон-эй, – дейман қувончдан энтикиб, – зап қутулиб кепсиз-да?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Ачиниш, нафратни билдиради. -*Обба, – дея кўнглидан ўтказди Қорабоев. – Туфламасдан артса ҳам гўрга эди.* С. Аҳмад, Асарлар. -*Обба иблис-эй, – деди устозим уф тортиб, – обба лаънати-ей, бу кеча яна ухламабди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

3 Зорланиш, норозиликни ифодалайди. *Обба.. Жайнақбой, бизнинг кампирнинг тоби қочибди.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ОББО **1** *айн.* **обба.**

2 (*охирги о – чўзиқ*) *бол.* Болани ухлатиш алласи. *Оббо қилсин, алла-яй, ухлаб берсин, алла-яй!* «Бойчечак».

Оббо айтмоқ Болани алла айтиб ухлатмоқ. **Оббо қил** Ухла.

ОББОЛАМОҚ Болани оббо айтиб, аллалаб ухлатмоқ. *Аёл боласини обболамоқда.*

ОББОҲОЛАМ *крш. с., с.т.* Балки, эҳтимол, бўлса, ажаб эмас. *Оббоҳолам, бугун жума бўлса керак.* ▬ *Отанинг жавобларидан терговчи норози эди: -Оёғида нима эди? -Оббоҳолам, ботинка.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

ОБГАРДОН [*ф.* آبگردان – сувни шопириш, айлантириш: чўмич, ёғлоғи; ковш] Ошпазларнинг узун дастали, катта, ичи чуқур чўмичи. *Шу вақтда обгардон, капгир кўтариб, бир ошпаз келиб қолди.* «Орзигул».

ОБДАН *рвш.* **1** Роса; хўп. *Овқатни хўп чайнаган яхши, гапни обдан ўйлаган яхши.* Мақол. ▬ *Агар бошқа йигит бўлганида, шу тунда ё обдан калтак ерди, ё қуён бўлиб қочарди – Ҳафизани шарманда қиларди..* Мирмуҳсин, Умид.

2 Жуда, жуда ҳам. *Шаҳарда бир маҳаллада бўлганимиз учун обдан яхши биламан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Балиқни димламоқчи бўлсангиз, обдан қиздирилган духовкада димланг.* «Саодат».

3 Батамом, бутунлай; мукаммал суратда. *Кенжа бригадаси янги ерга обдан ўрнашиб олгунча, колхоздан кўпчилик ҳашарга бориб турди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Стол турли нознеъматлар билан обдан ясатилган.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

ОБДАСТА [*ф.* آبدسته – қўл (ювиладиган) сув] Рўзғор буюми; юз-қўл ювиш учун ишлатиладиган узун ва ингичка жўмракли, қорни кенг, бўғзи тор идиш. *Сопол обдаста. Чўян обдаста.* ▬ *Ҳафиза обдаста билан дастшўй олиб кириб, бувисининг қўлини атирсовун билан ювдирди.* Мирмуҳсин, Умид.

Обдаста самовар Обдаста шаклидаги маҳаллий самовар. **Обдаста тутмоқ** Обдастадан сув қўйиб туриб, қўлини ювдирмоқ. **Пучуқ обдаста** Ўзига алоқаси йўқ ёки ақли етмайдиган гап-сўзга, ишга аралаша берадиган кишига қарата, уни камситиб, танбеҳ юзасидан айтиладиган ибора. *Сен пучуқ обдаста ўлгурга ким қўйибди бировларнинг ишига аралашишни?* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ОБДАСТАГАРДОН [*ф.* آبدسته گردان – обдаста айлантириш] *этн.* Йўқолган ёки ўғирланган нарса ўғрисини «топиш» усули (бунда ичига сув солинган обдастани бўғзидан ип боғлаб, бармоққа осиб айлантирилади, дуолар ўқилади, обдаста айланишдан тўхтаганда, унинг жўмраги даврада ўтирган гумондорлардан қайси бирининг қаршисида тўхтаса, ўша киши «ўғри» саналади). *Кампир «дуонинг зўри билан қулф очадиган» азаймхонга обдастагардон қилдиргани қатнаб, ярим қоп жийда, уч елпиштовоқ жўхори, икки калава ип элтди, аммо иш чиқмади.* А. Қаҳҳор, Ўғри.

ОБДИРАМОҚ Ўзини йўқотмоқ, гангимоқ, довдирамоқ. *-Нега обдираб қолдиларинг? Отинглар, босинглар бу уйинг куйгурни! – деб бақирди.* С. Айний, Қуллар. *Тўхтаб туриб яна тупроқни ташлаб, бир тарафга қочиб, чўчиб, яқосини ушлаб, лаҳадга қараб, обдираб.. ҳой, ҳой, ҳой, бай, бай – деди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОБДИШ *шв.* **1** Чойдиш, човгун. *Чол бесаранжом кириб келибоқ, дарров обдишга қўл урди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Қайнаган сув. *Чойдишда обдиш қолган бўлса, сув солмай туринг.*

ОБДОВ *с. т.* Томдан ёғин суви тез оқиб тушиб кетиши учун том сатҳида қилинадиган қиялик; нишаб.

Обдовини олмоқ Нишабини тўғриламоқ. *Томнинг обдовини қаёққа олмоқчисиз?*

ОБДОР [*ф.* آبدار – сувли, суви кўп; жило берилган] *эск. кт.* **1** Тиниқ, шаффоф, ялтиратилган (қимматбаҳо тошлар ҳақида).

2 *кўчма* Оқ юзли, гўзал. *Хайри Бердибой каби йигитларнинг юрагини ўйнатарлик даражада обдор.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 *фольк.* Сув берилган, яхши тобланган, ўткир (қилич, пичоқ ва ш.к. ҳақида). *Қосимхон шоҳнинг аччиғи келиб, ҳар туки обдордай бўлиб, қизига бир сўз деди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Ҳар бир туким бир ханжари обдор бўлди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

4 Учига заҳар суртилган. *Обдор ўқ.*

ОБДОРЛИК Сувчилик, сув тутишлик. *Ернинг бошига етганда, ота гапирди: -Сизлар сувни шу ергача етказиб берсаларингиз бўлгани, обдорликни фақат ўзим қиламан.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ОБЕД [*р.* обед – «обедать» (тушлик овқат емоқ) *фл. дан* < еда – овқат] *с.т.* **1** Тушки овқат. *-Ҳой, нима бало бўлди? – деб алангладди Иноят оқсоқол. Бир шўхроқ йигит унга*

жавоб қилди: -Оқсоқол ота, эшагингиз сизни обедга чақиряпти. С. Аҳмад, Уфқ.

Обед қилмоқ Тушки овқатни емоқ, тушда овқатланмоқ.

2 Тушки овқат вақти. *Обедда бир келиб кетинг.*

ОБДУЗДЛИК [*ф.* آب – сув + دزد – ўғри > آبدزد – ер остидаги сув ўтадиган ёки йўқолиб кетадиган тешик, йўл] Суғориш тармоқларидан сувни навбатдан ташқари яширинча боғлаб олиш. *Бухоро воҳасида июль ойининг охири ва августнинг бошида сувга бўлган талаб ниҳоятда авж олиб, обдуздлик кучайган.* А. Муҳаммаджонов, Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи.

ОБЕЛИСК [*фр.* obelisque < *юн.* obeliskos, obelos – қилич, шамшир] Юқорига томон ингичкалашиб борадиган тош устун шаклидаги ёдгорлик. *..жангчилар хотирасини абадийлаштириш, ёдгорликлар, обелисклар, хотира лавҳалари қуриш ва буларни сақлаб қолиш учун улар кўп иш қилмоқдалар.* Газетадан.

ОБЕРМОҚ *с. т. айн.* Олиб бермоқ. *Ароқни камайтиринг, пулига қўшнилардан қатиқ обериб турай десам, айюҳаннос тортворди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ОБЕРТОН [*нем.* Obertöne < *нем.* ober – катта, юқори + *юн.* tonos – кучланиш, урғу] **1** *мус.* Асосий товуш (тон) билан бирга пайдо бўладиган ва унга бошқача тус берадиган товуш.

ОБЖУВОЗ [*ф.* آب – сув + جواز – ёғоч ёки тош ўғир] **1** Сув кучи билан юрадиган, шоли оқлайдиган қурилма. *Саломни этакдаги обжувоздан шоли обкетаётган кишилар кўрибди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Шербек ўз овозидан ўзи қўрқиб кетди: юраги обжувоздек гурс-гурс урарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Шундай қурилма ўрнатилган хона; обжувозхона.

Қошини обжувоз қилмоқ Икки қошни галма-гал учирмоқ. *Домла.. қошларини обжувоз қилиб, Элмуродга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОБЖУВОЗХОНА Обжувоз ўрнатилган хона; обжувоз.

ОБЖУВОЗЧИ **1** Обжувозда ишловчи, обжувозда шоли оқловчи одам. *Улар Хўжамозорда эскидан таниш бўлган обжувозчи чолнинг уйига қўнишди.* «Ёшлик».

2 Обжувоз эгаси, хўжайини.

ОБЖЎШ, обижўш [*ф.* آبجوش – қайнаган, қайноқ сув] *шв.* **1** Чой дамлаш учун қайнатилган сув. *Шу чойнинг устига обжўш солиб қўя қол.*

2 Ҳайвон ва ўсимлик ёғларини аралаштириб доғ қилинган ёғ.

ОБЗОР [*р.* обзор < обозреть – «кўз ташламоқ, кўриб чиқмоқ; текширмоқ, таҳлил қилмоқ» фл. дан] Ўзаро боғланган масалаларга доир маълумотларни хулосалаб, қисқача қилиб берилган оғзаки ёки ёзма ахборот. *Матбуот обзори. Халқаро обзор. Обзор қилмоқ.*

ОБЗОРЧИ Газета, журнал, радио ва ш.к. га обзор мақолалар бериб турувчи мухбир. *«Халқ сўзи» газетасининг обзорчиси. Радио обзорчиси.*

ОБИ I [*ф.* آب – сув] Форсча изофалар таркибида келиб, шу сўз (сўз бирикмаси)нинг сувга алоқадорлигини билдиради, мас., *обидийда, обираҳмат.*

ОБИ II [*ф.* آبی – сувли; ҳўл, нам; осмонранг] Тайёр ноннинг сарф қилинган унга нисбатан ошган оғирлиги.

ОБИД [*а.* عابد – сажда қилувчи, сиғинувчи; ихлосманд; руҳоний] **1** *эск. кт.* Тоат-ибодатни канда қилмайдиган, художўй, тақводор эркак.

2 Обид (эркаклар исми).

ОБИДА I [*а.* عابده] **1** *эск. кт.* Тоат-ибодатни канда қилмайдиган, художўй, тақводор аёл.

2 Обида (хотин-қизлар исми).

ОБИДА II *кт.* **1** Қабр устига ўрнатилган ёдгорлик. *Украинанинг бу қишлоғида ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш учун рамзий қабр устига обида ўрнатилган.* Газетадан.

2 Археологик ёдгорлик, узоқ ўтмишдан қолган моддий ёдгорлик. *Ўрта Осиё наққошлари қолдирган ва ҳозир давлат муҳофаза қилаётган обидаларда асрлар ёдгорлигининг изи бор.* «Гулистон». *Ёдгор Чаросга ғолибона қараб қўйди: -Эсингиздами, янги йил куни қадимий обидаларни замонавий қурилишларга қандай татбиқ этса бўлади, деган эдингиз.* Ў. Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол. *Зеро, бу обидаларни топиш ва ўрганиш туфайли ўзбек халқининг ибтидоий давр тарихи.. [халқнинг] урф-одати ва эътиқодига оид янги маълумотлар билан бойитилди.* Газетадан.

ОБИДИЙДА [*ф.* آبدیده – кўз ёши, ашк] Кўз ёши, ёш. *Элчиев бир лаҳза юзини деворга бурди, вужуд-вужудини жимирлатиб келган обидийдани ютишга уринди, ютди.* «Ёшлик».

Обидийда қилмоқ Йиғламоқ. *Оғзингдаги ошни олдириб қўйиб, обидийда қиласан-а! Отингни эртароқ қамчиласанг, ўлармидинг!* С. Аҳмад, Уфқ.

ОБИЁВҒОН Жазсиз, ёғсиз суюқ ош; умуман фақирона овқат. *Бобомнинг кампири Башорат хола хурмачага обиёвғон қуйиб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ОБИЗАМЗАМ [*ф. + а.* آبزمزم – Замзам суви] *дин.* Маккадаги Замзам булоғининг табаррук суви; умуман, табаррук, муқаддас саналадиган сув.

2 *кўчма* Май, спиртли ичимлик. *Муштдай-муштдай гўштларни тўғраб, ош устига босаётган ишчининг оғзида сўлаги тўпланди. Қилт ютинди: -Бундай ошни «обизамзам»сиз ейиш гуноҳи азим бўлади-я!* С. Нуров, Нарвон.

ОБИНОВВОТ [*ф.* آبنبات – новвот суви, шира] **1** Ўрикнинг жуда ширин бир тури.

2 Пўсти сариқ-ола, сергўшт ширин қовун; чўгири. *Дарвозага яқинлашиб қолишган пайтда димоққа обиноввот қовуннинг иси урилди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ОБИНОН [*ф.* آبی‌نان] Оширма хамирдан ёпилган юпқа нон (кўпинча бозор учун ва тўй-ҳашамда тайёрланади). *Зиёфат дастурхони чинакам бойвачча номига яраша эди. Дастурхон чеккаларига седанали обинон, муштдай қип-қизил гижда нон, ёғлиқ патир, жиззалик нон, қатламалар қўйилган.* «Ёшлик».

ОБИРАВОН I [*ф.* آبروان – оқаётган, оқар сув] **1** Оқар сув. *Боғлар хароб бўлар боғбон бўлмаса. Дарёларда обиравон бўлмаса.* «Рустамхон».

2 *кўчма* Сувдай сероб нарса, мўл-кўлчилик. *Бу ер тўйхона, майхона, обиравон жой.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ОБИРАВОН II [*ф.* آبروان] Бир турли гулдор, юпқа газлама. *Шундай совуқ бўлишига қарамай, Тўхтахон эски обиравон кўйлакда, унинг ҳам бир енги йўқ.* С. Зуннунова, Олов.

ОБИРАҲМАТ [*ф. + а.* آبرحمت – хайр-барака суви; баҳор ёмғири] Раҳмат ёғдирувчи сув (ёмғир, қор суви ҳақида). *Болам, Оллоҳдан обираҳматини сўра, лалми буғдой ўшанга вобаста.* «Ёшлик».

ОБИҲАЁТ [*ф. + а.* آبحیات – ҳаёт, тириклик суви] **1** *миф.* Ҳаёт суви (афсонавий чашма суви; уни ичган кимса гўё абадий яшар эмиш).

2 *кўчма* Ҳаёт бағишловчи сув. *Зўр дарёдан канал, ариқ ва эгатлар орқали ғўзаларга обиҳаёт олиб борилгани каби, тарих дарёсидан ҳар бир бўлажак эшитувчисининг онгига оловли ҳақиқат олиб бормоқчи эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ОБКАНД [*ф.* آبکند – сел ўтадиган жой, йўл; сув ювиб, ўйиб кетган жой] *тар.* Қадимда ва ўрта асрларда шаҳарни сув билан таъминлаш мақсадида қазилган суғориш тармоғи, сув йўли. *«Обканд» шаҳар суви, шаҳар ариғи маъноларини англатиб, шаҳар суғориш тармоғидир.* «ЎзМЭ».

ОБКАШ [*ф.* آبکش – сув тортувчи, ташувчи] Икки учидаги илмоғига челак осиб, елкада сув ва б. нарсалар ташиш учун мосланган ёғоч асбоб. *Бир обкаш сув. Обкаш билан сув ташимоқ.* ▬ *Дарсдан кейин Омон уни кўпинча елкасида обкаш – сувга кетаётганда учратади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

Бошимни баркаш, елкамни обкаш қилиб Белни букиб, қаттиқ меҳнат, машаққат тортиб. [*Қизим Райҳонни*] *Ахир не-не кўргиликлар билан, бошимни баркаш, елкамни обкаш қилиб, вояга етказдим.* С. Сиёев, Райҳон. **Обкаш бўлиб кетмоқ** *с. т.* Эгилиб, букилиб кетмоқ. *Белим обкаш бўлиб кетди.*

ОБКОМ [*р.* «областной комитет» бирикмасининг қисқартмаси] *эск.* Баъзи ижтимоий ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган область раҳбар органи ва унинг биноси. *Обком секретари.* ▬ *Ҳаққулов обкомдан топшириқ олгандан буён ўз кучига ишонган, ишга боши билан шўнғиб кетган, кўриниши, кайфияти ҳали тетик эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОБЛАСТЛАРАРО Бир неча область учун умумий бўлган, бир неча областга баравар хизмат қиладиган, бир неча область ўртасида бўладиган. *Областлараро электр станцияси. Қишлоқ хўжалик ходимларининг областлараро кенгаши.*

ОБЛАСТЬ [*қад. р.* об + волость – ҳудуд, давлат] *қ.* **вилоят 4.** Бир неча районни ўз ичига олган йирик маъмурий-ҳудудий бирлик. *Самарқанд области. Тошкент области. Область ижроия комитети.* ▬ *Унинг отаси*

колхозда боғбон, онаси бўлса областда машҳур сут соғувчилардан эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 *с.т.* Шундай маъмурий-территориал бўлинма маркази. *Бугун областдан улуғлар келишармишми?* С. Аҳмад, Уфқ.

ОБЛИГАЦИЯ [*лот.* obligatio – мажбурият] Ютуқ ёки маълум фоиз тарзида даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозларнинг бир тури. *Облигациянинг бозор нархи унинг номиналидан юқори ёки паст бўлади.* «ЎзМЭ».

ОБЛО *с.т.* Оллоҳ. *Банданинг боши – облонинг тоши.* Мақол. ▬ *Зиёда бибининг неки тилаги бўлса, облонинг ўзи мушарраф қилсин!* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОБМОТКА [*р.* обмотка – болдирга ўраладиган пайтава < обмотать – ўрамоқ, ўраб боғламоқ] Тўпиқдан тиззагача шимнинг почаси устидан ўраладиган пайтава. *Элмурод шошганидан бир оёғига шим почасини киймай, обмотка ўраб қўйди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ОБНУС [*а.* آبنوس < *юн.* ebenos – қора дарахт] Тропик мамлакатларда ўсадиган, ёғочи қаттиқ ва оғир қорамтир ёки қора дарахт.

ОБОД [*ф.* آباد – одам яшайдиган; ишлов берилган; гуллаб-яшнаётган] **1** Кўркам бинолар, чиройли кўчалар, боғу роғлар билан гўзаллик касб этган, гуллаб-яшнаган. *Обод шаҳар.* ▬ *Ватанни обод қилиш фидокорликдир.* Газетадан. *Бақақуруллоқ сердарахтлиги, майдондаги бир-иккита оқ уйлари билан Қўғазордан хийла обод кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Яхши қаров, парвариш билан етилтирилган. *Обод боғ.* ▬ *Ҳирот музофотида Ҳурруд бўйида бир оила томонидан каттагина бир боғ обод қилинган эди.* С. Айний, Қуллар. *Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади.* Ойбек, О.в. шабадалар.

3 Халқ кўп йиғиладиган, гавжум ва серфайз. *Обод парк.* ▬ *Қишлоқнинг бу овлоқ жойи мактаб қурилиши бошланганидан буён обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қиш кечалари жуда узун, шунинг учун чойхоналар обод.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Хурсанд, шод. *Кимдир тама билан дунё кезади, Кимдир ўксик дилни этади обод.* А. Орипов, Йиллар армони.

5 Баъзи отларга ёки айрим сифатларга қўшилиб, шаҳар, қишлоқ ва ш.к. номини ясайди, мас., *Нуробод, Ишқобод, Бекобод, Янгиобод.* ▬ *Улар Қурбақаобод мавзеига етиб, одамлардан Норматхўжанинг боғини суриштирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОБОДЛАШМОҚ Тобора обод бўлиб бормоқ. *Ободлашган шаҳар. Қишлоғимиз ободлашиб қолди.*

ОБОДОН [*ф.* آبادان] *айн.* **обод.** *Юртимиз тинч, ободон, тўйинчилик. Қурдош гурунгида биз ҳам соҳибнафасмиз.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

ОБОДОНЛАШТИРИШ Кўркамлаштириш; обод қилиш, чиройли тусга киритиш. *Баҳорнинг айни шу ғанимат кунларида ҳамшаҳарларимиз ҳовли-жойларни, боғ-томорқаларни, кўча ва хиёбонларни саранжом-саришта этиб, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини қизитиб юборишди.* Газетадан.

ОБОДОНЛИК **1** Обод эканлик, кўркамлик.

2 Обод жойлар, қурилишлар. *Тоғу тош, саҳрою чўлларни гулистон айлабон, Шаҳарлар, ободонликлар, хушҳаво қилди қалам.* Ҳамза.

3 Обод этиш, қурилиш ишлари. *Ободонлик ишлари.*

ОБОДОНЧИЛИК *айн.* **ободонлик 3**. *«Тинчлик» маҳалласининг аҳолиси шаҳримиз ободончилиги йўлида қилинаётган хайрли ва эзгу ишларга ўз ҳиссасини қўшади.* Газетадан.

ОБОЗ [*р.* обоз – аравалардан қилинган тўсиқ, ғов; от-арава, машина ва ш.к. карвони] Ҳарбий қисмларнинг транспорт воситалари мажмуи. *Полк обози.*

ОБОЙМА [*р.* обойма – ўқ жойланадиган рамка, ҳалқа] **1** *ҳарб.* Автомат ёки тўппончанинг ўқ жойланадиган ва магазин коробкасига суқиб қўйиладиган рамкаси. *Обоймага ўқ жойламоқ.*

2 *тех.* Машина деталларининг маҳкам ушлаб, тутиб турувчи гардиш қисми. *Подшипник обоймаси.*

ОБОРМОҚ *с.т.* Олиб бормоқ. *Бор, қозонни юв! Бирон иссиқ овқат қилайлик, аянгга оборамиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОБОРОТ [*р.* оборот – айланиш, айлантириш; буриш] **1** Пулнинг айланиши, муомалада бўлиши. *Капитал обороти. Оборотдаги пуллар.* ▬ *Халқ хўжалигининг транс-*

порт, алоқа, капитал қурилиш, товар обороти, фан, маданият ва бошқа тармоқлари ҳам илдам ривожланмоқда. «Фан ва турмуш». *Бу одам асли паландаралик бўлади. Кредит техникумида ўқиб юрганимда, бизга пул оборотидан банкда практика олиб борарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Шундай муомалада айланган ёки тўпланган пул. *Корхонанинг йиллик обороти. Маблағ обороти.*

3 *тлш.* Бир синтактик бутунликни ташкил этган сўзлар гуруҳи, гап қурилиши. *Сифатдош оборот. Равишдош оборот.*

ОБ-ОТАШ, обу оташ [*ф.* آب – сув + آتش – олов] Овқат пишириш ва умуман бирор нарса тайёрлашда сув ва ўтдан фойдаланиш қоидаси. *Ошнинг об-оташини яхши билиш керак.* ▬ *Пахта иши ҳам обу оташдай гап. Йилнинг қандай келишига боғлиқ.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ОБОШ *бол.* Тамом, одош. *Обош бўлди.*

ОБОҒА *эск. айн.* **аваға.** *Обрўли обоғалари.. ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотдилар.* Ойбек, Навоий.

ОБПАРТОВ [*ф.* آب پرتاو – сувни чиқариб юбориш; чиқариб юборилган сув] Сув ҳавзалари ва гидротехник иншоотларда партов сувни чиқариб юбориш учун қурилган махсус иншоот; оқова. *Обпартов ва пастдаги ташлама ариқда гуркираб қамиш ўсган, унинг майин укпари шамолда ипакдай товланиб ҳилпирарди.* С. Нуров, Нарвон.

ОБРАЗ [*р.* образ – юз, ёноқ; тасвир, тимсол; икона] **1** Бадиий асарларда яратилган тип, характер. *Ойбек ўзининг «Навоий, «Қутлуғ қон» романларида не-не уста фирибгар, маккорлар образини яратган.* Шукрулло, Сайланма. *Саҳнада Зебинисо образи Гулбаҳор талқинида янада ўзгача жонланганини кўрдим.* «Саодат».

2 Санъатнинг ўзига хос бир категорияси: санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурининг аниқ ҳис этиладиган бир тарзда гавдаланиши. *Бадиий образ. Шоир образлар орқали тафаккур этади.* ▬ *Ботир ака шеър ўқиганда, образга кириб кетарди.* «Ёшлик».

3 Маълум нарса ёки ҳолатнинг ифодаси. *Тазод талабига кўра, бир-бирига қарама-қарши тушунча ёки образ бир-бирини рад этиши лозим.* «ЎТА».

ОБРАЗЛИ 1 Образлар орқали тасаввур этиладиган ёки тасаввур этилган. *Образли тасвир. Образли асар.*

2 Ёрқин, жонли, ифодали, тасвирли. *Образли ибора. Образли қилиб гапирмоқ. Мақол фикрни ихчам, лўнда, образли қилиб берганлиги сабабли узоқ ёдда сақланади.*

ОБРАЗЛИЛИК Ифодалилик, таъсирчанлик; муайян образга асосланиш. *Ҳикоянинг образлилиги.* ▬ *Образлилик – бутун санъатнинг хусусиятидир.* «Адабиёт назарияси».

ОБРАҲА [*ф.* آبرهه < آبراه – сув йўли] Сув йўли, ариқ (қўшнининг ери, ҳовли-жойи орқали ўтказилган ариқ). *Бизнинг экинларга обраҳа Мамасоли аканинг чорбоғи орқали ўтарди.* «Ёшлик».

ОБРЕЗ [*ф.* آب – сув + ریز – қуйилувчи, тўкилувчи: обтова, обдаста; ҳожатхона] Уйнинг пойгагида ёки даҳлизда ювиниш, юз-қўл ювиш учун махсус ясалган, усти берк ўра; ҳаник. *Узун, пахтали камзул кийган яланг оёқ аёл рўмоли билан юз-кўзини беркитиб, обрез ёнида дилдираб турарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу ҳужрада обрез – сув тўкадиган жой бўлмаганидан, қўл-юзимизни ҳам кўчага чиқиб ювардик.* С. Айний, Эсдаликлар.

ОБРОГАЦИЯ (*лот.* obrogatio – мавжуд қонунни янгиси билан бекор қилиш) Қонунни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан янгилаш. *Қонун off оброгацияси.*

ОБРЎ(Й) [*ф.* آبروی – шон, шараф орномус, қадр-қиммат; ифтихор] **1** Кишининг тутган иши ва яхши хислатлари туфайли жамоатчилик қошида топган эътибори; ҳурмат, нуфуз. *Директоримизнинг обрўйи баланд. Обрўйини кўтармоқ (оширмоқ). Обрў(ни) сақламоқ.* ▬ *[Ўзбек ойим:] Ахир, менинг ҳам ўзимга яраша обрўйим бор: Тошкентда кимсан – Юсуфбек ҳожининг кўчиман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Обрў кўрмоқ Жамоатчилик ўртасида эътибор, ҳурмат қозонмоқ. *Шундай обрў кўрган бир киши келиб-келиб, наҳотки ўз қудасидан ва келинидан мунчалик обрўсизлик кўрса!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Обрў олмоқ** Ҳеч нарсаси йўқлигига қарамай, бор имкониятдан фойдаланмоқ, меҳмондўстликни жойига келтирмоқ (сир бой бермаслик учун). **Обрў орттирмоқ** *айн.* **обрў кўрмоқ. Обрўйи бир (***ёки* **уч) пул бўлди** *айн.* **обрўйи кетди. Обрўйи кетди (***ёки* **тушди, тўкилди)** Обрўсизланди, ҳурмат-эътибори кетди. *Шавла кетса-кетсин, обрў кетмасин!* Мақол. **Обрўйини кетказмоқ (***ёки*

тўкмоқ, туширмоқ) Эътиборини, ҳурматини йўқ қилмоқ, беобрў қилмоқ. *Шоқосимнинг муштуми йўғон, урушқоқ, обрўси тўкилишидан қўрқмайдиган, безбетроқ йигит эканини ҳам биларди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Шундай ҳурмат соҳиби. *Унинг [меҳмоннинг] ёнида ётган катта бир қора муқовали дафтар бу киши шубҳасиз Қамишкапанинг обрўларидан эканига далолат бериб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Шараф, ифтихор; фахр; шуҳрат, нуфуз. *Раис бўлар колхозчининг каттаси. Обрў бўлар ерга эккан пахтаси.* Фозил шоир. *Тошкент — ўзбекнинг санъати, товуши, Қувноқ музикаси, куйи, обрўйи.* Ғ. Ғулом.

ОБРЎДОР *айн.* **обрў(й)ли** *Қишлоқ обрўдорларининг маълумотлари бўйича оқсоқолнинг қотили деб Бердибой кўрсатилди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ОБРЎ(Й)ЛИ Обрўга эга бўлган; эътиборли, нуфузли. *Обрўли одам. Обрўли раис.* ▬ *Ажаб эмас, бахти очилиб, Гулнор ҳам яхши, обрўли жойларга келин бўлса.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳайдарбой қишлоқ обрўлиларининг олдига чой билан пиёла келтириб қўйди ва қўлини кўкрагига қўйиб, муловамат қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОБРЎ(Й)СИЗ Обрўйи йўқ; эътиборсиз, нуфузсиз. *Обрўсиз одам.*

ОБРЎ(Й)СИЗЛАНМОҚ Обрўйи кетиб, ҳурмат-эътибордан қолмоқ, нуфузини йўқотмоқ.

ОБРЎ(Й)СИЗЛАНТИРМОҚ Обрўйсиз қилмоқ, обрўйига путур етказмоқ. *Бўтани обрўсизлантириб, аёлларни колхоздан бездириш кимга зарур экан?* С. Аҳмад, Ҳукм.

ОБРЎ-ЭЪТИБОРЛИ *айн.* **обрў(й)ли** *Избоскан райижрокомининг раиси Бузрук Усмонхўжаев ҳамма ерда ҳозир-нозир, обрўэътиборли одам.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОБСЕРВАТОРИЯ [*лот.* observare — кузатмоқ; муҳофаза қилмоқ] **1** Махсус асбоблар ёрдами билан осмон жисмларини ва метеорологик ҳодисаларни кузатиш билан шуғулланувчи илмий муассаса; расадхона. *Обсерватория ходими. Обсерватория кузатишлари.*

2 Шундай муассаса жойлашган бино ва иншоот. *Обсерватория қурилиши учун жой танлаш мақсадида Қрим, Кавказ, Ўрта Осиё ва ҳатто Шарқий Сибирь, Узоқ Шарққа ҳам жами 16 та экспедиция юборилди.* «Фан ва турмуш».

ОБСЕРВАЦИЯ [*лот.* observatio — кузатиш, назорат; ғамхўрлик қилиш] Касаллар билан мулоқотда бўлган соғлом одамларни алоҳида ажратиб, тиббий кузатувдан, кўрикдан ўтказиш. *Обсервация муддати обсервация қилиш буюрилган касаллик яширин даврининг энг узоқ муддатига боғлиқ.* «Фан ва турмуш».

ОБСИДИАН [*лот.* Obsidianus (lapis) — Обсидий тоши, тошни Эфиопиядан келтирган римлик Обсиус номидан] Шишасимон тоғ жинси. *Инсон ов қилишда ва бошқа хўжалик ишларида асқатадиган қуроллар ясашда, қайроқтош, чақмоқтош, обсидиан, кварцит, суяк ва ёғочдан фойдаланган.* «Фан ва турмуш».

ОБ-ТАОМ, обу таом [*ф.* + *а.* آبوطعام — озиқ-овқат; егулик ва ичкиликлар] Суюқ-қуюқ таомлар.

ОБ-ТОБ, обу тоб [*ф.* آبوتاب — сув ва ҳарорат, ёғду: серҳашамлик, дабдабалилик] Бирор ишнинг, нарсанинг етилганлик даражаси. *Жуда обу тобида, мазали пишган ҳолва, мураббо ёки овқатни ҳам халқимиз «Қиём бўлиб кетибди», дейди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Агроном деган номингиз бор.. ғўзанинг об-тобига қараб иш тутинг.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

Об-тобига келмоқ Етилмоқ. *Узумлар ғарқ пишиб, об-тобига келибди.*

ОБТОВА [*ф.* آفتابه — қўлга сув қуйиладиган идиш] *шв.* Обдаста. *У ғазабини аранг босиб, ўрнидан турди, супа лабидаги обтовадан ҳовучига сув қуйиб, қизининг юзига сепди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ОБУНА [*фр.* abonner — имзо чекмоқ, имзоламоқ; ёзилмоқ] Газета, журнал ва ш.к. га олдиндан ҳақ тўлаб ёзилиш. *Вақтли матбуотга обуна қабул қилиш бошланди. Обуна бўлмоқ. Обуна тўпламоқ.* ▬ *Мулкчилик шаклидан қатъи назар, қайси хўжалик юритувчи субъект «Ҳуррият» газетасига 50 дона йиллик обуна бўлса, 50 кв.см. ҳажмдаги хабар, эълон ёки рекламаси йил давомида текин бериб борилади.* Газетадан.

ОБУНАЧИ Газета, журнал ва ш. к. га олдиндан ҳақ тўлаб ёзилган шахс, ташкилот; муштарий. *Обуначилар сони йилдан-йилга ошмоқда.*

ОБХОНА [*ф.* آبخانه — сувли, нам жой, хона] **1** Масжид, мадраса ҳовлисида таҳорат қилиш учун ажратилган алоҳида хона.

2 *тар.* Бухоро хонлиги даврида: алоҳида зах ва қоронғи қамоқхона, зиндон. *Ахир, Қурбон олти ой амир обхонасида ётиб чиққан одам.* Газетадан. *Амирнинг дори бор, минори бор, ноғорахонаси бор, бу зиндондан бошқа яна «обхона», «канахона» номли дўзахлари бор.* С. Айний, Дохунда.

ОБ-ХУДОЙИ, обу худойи *этн.* Оллоҳ йўлида қилинган эҳсон. *-Шу.. онанг раҳматликка обу худойи қилсак, деган эдим, — чол чойни симириб, пиёла устига кафтини қўйди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ОБЧИҚМОҚ *с.т.* Олиб чиқмоқ *Ниёз бобо деган қўшнимиз бор. Лекин-чи, амаки, Ниёзбобо байту ғазални жонидан ҳам яхши кўради. Шу ёққа обчиқайликми сизларни?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ОБЪЕКТ [*лот.* objectum — нарса] **1** *флс.* Биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган, субъект (инсон)нинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган ташқи олам, борлиқ, воқелик, моддий дунё, мавжудот; *зид.* **субъект**. *Объектнинг қайси галактикага ва юлдуз туркумига тегишли эканлиги тўғрисида нима дея оламиз?* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, нарса. *Қиз ўзи билмаган ҳолда рассомнинг объектига айланган эди. Бундан Жамолзода севинар, ишқилиб, кетиб қолмасин-да, деб жадал чизарди.* «Ёшлик».

3 Хўжалик ёки мудофаа аҳамияти бўлган корхона, қурилиш, айрим участка ва ш.к. *Қурилиш объекти. Ҳарбий объект.* ▬ *Микрорайонда, шунингдек, савдо магазинлари, мактаб, болалар боғчаси, стадион ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилди.* Газетадан. *Мустақилликдан сўнг туманда қатор муҳташам бинолар: 2 та касб-ҳунар коллежи, касалхона ва бошқа қатор объектлар қад кўтарди.* Газетадан.

ОБЪЕКТИВ I [*лот.* objectivus — буюм, нарсага оид; моддий] *физ.* Оптик асбоб, фотоаппарат, киноаппарат ва ш.к. нинг бир неча линза ёки кўзгулардан иборат, объектнинг тескари тасвирини ҳосил қиладиган олд қисми. *Фотоаппарат объективи. Микроскоп объективи. Телескоп объективи.* ▬ *Бу камеранинг «Гис Волна-3» объективи кўп қатламли ёритиш хоссасига эга.* Газетадан. *Фақат объективнинг олдида ўзингизни табиий тутолсангиз бўлгани.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОБЪЕКТИВ II **1** *флс.* Онгдан ташқарида бўлган ва онгга бевосита боғлиқ бўлмаган. *Табиатнинг объектив қонунияти. Объектив борлиқ (реаллик).*

2 Янглиш ёки субъектив фикрдан холи бўлган; холис, холисона, бетарафона. *Объектив баҳо, Объектив хулоса. Масалага объектив ёндашмоқ.* ▬ *Бизга шикоят йўллашган экан, бу фактга объектив қарашимиз керак!* «Ёшлик».

ОБЪЕКТИВИЗМ 1 *флс.* Ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларини қайд этиш, уларнинг зарурлигини таъкидлаш билангина чекланувчи нуқтаи назар. *Объективизм ташқи олам предмет ва ҳодисалари қандай бўлса, шундай баён қилишдир.* «ЎТА».

2 Дунёқарашдаги, ижтимоий фанлардаги, адабиёт ва санъатдаги йўналиш.

ОБЪЕКТИВИСТ Объективизм тарафдори.

ОБЪЕКТИВЛИК Объектив борлиққа алоқадорлик; объектив борлиққа мослик; холислик, бетарафлик. *Муҳокамаларнинг объективлиги.*

ОБ-ҲАВО, обу ҳаво [*ф.* + *а.* آب‌وهوا — сув ва ҳаво] **1** Атмосфера қуйи қатламининг маълум вақт ва маълум жойдаги ҳолати. *Қиш об-ҳавоси. Об-ҳаво инжиқлиги.* ▬ *У [Элмурод] қайтган вақтда ёмғир тинган, лекин бу ернинг ўзига хос обу ҳавосига мувофиқ, ёмғирдан кейин қаттиқ шамол турган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Маълум жой ёки ҳудуд атмосферасидаги метеорологик ўзгаришлар мажмуи; иқлим. *Мулла Туроб бир ёз фаслида.. Самарқанд саёҳатига бориб, у шаҳарнинг обу ҳавосини ёқтирган.* С. Айний, Эсдаликлар. *Об-ҳавони, оқар сувларни ифлослантирмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилинди.* Газетадан.

Об-ҳаво бюроси Об-ҳаво ўзгаришларини, метеорологик шароитларни ўрганиб. кузатиб борувчи махсус илмий муассаса.

3 *кўчма* Вазият, ҳолат. *Бу гаплар қишлоқда нечоғлиқ тарқалганлиги, яъни у ердаги об-ҳавони билиш мақсадида Насибани автобусга ўтқазиб, тонгда қишлоққа жўнатди.* «Ёшлик».

ОВ 1 Ёввойи ҳайвон, балиқ, қуш ва ш.к. ни турли йўллар билан тутиш, овлаш ёки отиш. *Балиқ ови. Бедана ови. Мерган овда билинар, ботир — ёвда.* Мақол. ▬ *Раҳимов*

куёвни тез-тез Тошкентга чорлаб турарди. Куёв ов ишқибози эди. Мирвали кўп қийинчиликлар билан бу тоғларга ўргатган кийикларни у қийратарди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

Ов қилмоқ 1) ов иши билан шуғулланмоқ; 2) *кўчма* бирор кимсани қўлга олиш учун унинг пайига тушмоқ. **Ов қуши** Илвасинга солинадиган қуш (мас. қирғий). **Ови юришмоқ** *ёки* **ови бароридан келмоқ** Иши юришмоқ, кўзланган мақсадга эришмоқ. -*Ови юришиб кетибди! — деб аммамга қараган эдим, энсаси қотиб, ижирғаниб ўтирган аммам киноя билан деди: -Ови юришмасинми, ахир бир кунда икки-уч жойни овласа!* Газетадан.

2 Ов қилинадиган, овланадиган жонивор; илвасин. *Овга бой чўл. Шу кунларда Олой тоғида ов кам.*

3 *кўчма* Қўлга туширилиши мўлжалланган кимса ёки нарса. *Юмалоқ, қорагина одам қўлидаги тўппончани маҳкам ушлагани ҳолда гандираклаб, сўкиниб.. «овини» қидира бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Овчининг ўлжаси. *Арслон оғзидан ов олинмас.* Мақол. ▬ *Сувонжон, тузоққа илинган овни чиқариб юборишдан қўрққан овчидек, қизни маҳкам қучоқлаганича, ёнғоқ томонга кета бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 *кўчма* Содир бўлиши кутилаётган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида. *Халқ қимирлаб қолди. Одамлар қулоғи овда. Турли-туман миш-миш гаплар. Одамлар аниқ бир тасаввурга эга бўлмагани учун ҳар ким ўз ҳолича фол очарди.* «Ёшлик».

Мурид ови *эск.* Эшон ва хўжаларнинг муридларни товлаш учун узоқ-яқиндаги муридлариникига қилган сафари. -*Ҳа, эшон нега кетди экан? - Тирикчилик-да! Ҳа, мурид овига чиқиб кетган экан-да, эски ҳунар!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОВАЛ [*фр.* ovale < *лот.* ovum — тухум] **1** *от. геом.* Тухумсимон чизиқ; ясси, қавариқ ёпиқ эгри чизиқ; эллипс. *Овал нуқталари орасидаги масофа.*

2 *сфт.* Чўзиқ думалоқ; овал шаклли.

ОВБОШИ Овда қўлга киритилган биринчи ўлжа.

Овбоши қилмоқ Овдаги биринчи ўлжани бирор кимсага тортиқ қилиб олиб бормоқ. *Чиқариб бер, овбоши отган ғозимни.. Бек отамга овбоши қиб борайин.* «Ширин билан Шакар».

ОВЛАМОҚ 1 Ов билан шуғулланмоқ, ов қилиб тутмоқ. *Бедана овламоқ. Тулки овламоқ.* ▬ *-Кўлдан балиқ овлаяпсанми? — сўради у.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Қўлга олиш, илинтириш мақсадида пайига тушмоқ, тутмоқ. *Бошқа ер эгалари кечалари болта кўтариб, одам овлаб юрган бир вақтда бу одамнинг [қорининг] шундоқ деб чиқиши катта гап эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *кўчма с.т.* Товламоқ, алдамоқ. *Қув, эпчил, дағдағали аллофлар қўллари, оғизлари, кўзлари билан ишлаб, «тош-тарозидан уриб», бева-бечорани овлайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу ернинг одами у. Ҳар шаҳардан дўндиқларни овлайди — қўлга тушгансиз. Тақдирда ёзилганни кўраверасиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўнгил (*ёки* **дил) овламоқ** *қ.* **кўнгил.** *Кулишга бало борми. Тезроқ кўнглини овла, ўзингга ўчакиштириб нима қиласан.* М. Мансуров, Ёмби. **Мурид овламоқ** *қ.* **мурид.** *Тўрам билан бир ҳаз этиб, мурид овламоқчи эдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Тил овламоқ** *ҳарб.* Урушда душман кишисини қўлга туширмоқ, асир олмоқ. *Граната портлади. «Тил» овлаш учун бизнинг маррамизга келган фашист қароқчилардан тўрттаси тилка-пора бўлди.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

ОВЛОВЧИ 1 Овламоқ фл. сфдш.

2: Балиқ овловчи Балиқ ови билан шуғулланувчи, балиқ ови ишқибози. *Сув ҳавзаси хўжалик ҳисобига ўтказилгач, назорат кучайди, турли ерлардан келган ҳаваскор балиқ овловчилар сони кескин камайди.* Газетадан. **Кўнгил овловчи** Бировни ўзига мойил этувчи; хурсанд қилувчи, кайфини чоғ этувчи. *Мирвали Толибжоннинг жасадини олиб ўтган машина кўздан йўқолгунча пича дилхун бўлиб турди-да дарров бу дилхунлик ўрнини бошқа — кўнгилни овловчи, туйғуларни эркалатувчи овунчоқ эгаллаб олди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОВЛОҚ 1 Ов қилинадиган қуш ва ҳайвонлар сероб жой. *Тирикчилигини шикордан топадиган ҳар бир овчи шикор учун овлоққа ёлғиз бир ўқ билан чиқсин.* «Фан ва турмуш».

2 Марказдан узоқ, чет жой; кимсасиз ер. *Овлоқда яшамоқ.* ▬ *Тошкентнинг шундай биқинида етти ухлаб тушга кирмайдиган ажойиб овлоқ жойлар борлиги ҳаммани ҳайратга солар эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Жўра-*

лари билан шу овлоқ оролчада ўтказган бахтиёр кунлари ёдига тушди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 Пастқам, хилват жой, одамдан холи жой; пастқамлик, хилват. *Севаргул то онаси овлоқ кўчанинг муюлишида кўздан пана бўлгунча қараб турди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Кимёхон икки-уч кун Азизахоннинг йўлини пойлади, ниҳоят, овлоқроқ бир жойда учрашди ҳам.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Уларни одамлар нигоҳидан на қуюқ боғлар, на тун зулмати, на бирон овлоқ гўша яшира олади.* О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

Овлоқда юрмоқ Четда юрмоқ, жамоатдан ёки ишдан ўзини олиб қочмоқ. *[Акрам] ..Касаба ташкилотидан овлоқроқ юришга ҳаракат қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 *рвш. шв.* Кишилардан холи; танҳо. *Ойжамол овлоқ ўтирган пайтда қизига гап ташлаб кўрди.* «Ёдгор».

ОВОЗ [*ф.* آواز – товуш, шовқин, садо; миш-миш; қўшиқ] **1** Гапириш, қичқириш, куйлаш, сайраш пайтида ўпкадан чиқаётган ҳавонинг урилиши билан товуш пайчаларининг тебранишидан ҳосил бўладиган товуш; садо, сас. *Баланд овоз. Паст овоз. Майин овоз. Мусичаларнинг кукулашган овози эшитилар эди.* ▬ *Анвар Муқаддамнинг овозини эшитиб, бурилиб қаради-ю, унинг ваҳимадан катта-катта очилиб турган кўзларини қоронғиликда аниқ кўрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бу ерда минг турли қушлар минг турли овоз билан сайраб, анвойи гуллар очилиб, атрини сочиб ётган экан.* С. Зуннунова, Олов.

Овоз пардалари Товуш ҳосил бўлишида қатнашувчи оғиз бўшлиғидаги пайчалар. *Мен сени куйламоқ истайман. Аммо шундай куйласамки, Йиртилиб кетса овоз пардаларим...* А. Орипов, Йиллар армони. **Овозинг чиқмасин** *ёки* **овозингни чиқарма** Жим бўл, дамингни чиқарма. **Овозинг ўчгур!** *қарғ.* Ўлгур! Яшамагур! **Овозингни ўчир!** Жим бўл!

2 Товушнинг куйлашдаги паст-баландлик, жарангдорлик даражаси. *Овози яхши ашулачи. Овози ўткир.* ▬ *Шарофнинг қон босими кучайиб, юрак уриши авжига етган пайт директор ҳамдардона овозда деди: -Тушунаман, ҳаммамиз ҳам ёшликда ўт-олов бўлганмиз, кўзимизга фил ҳам чумолича кўринган.* «Ёшлик».

Овози бузилмоқ 1) томоқ, товуш пайчалари шамоллаши ёки зўриқиши натижасида овози ўзгармоқ, ишдан чиқмоқ; 2) *кўчма* балоғатга эришиб, овози дўриллаб, йўғонлашиб қолмоқ.

3 Вокал мусиқа асарида ҳар бир куйчи учун белгиланган партия. *Икки овоз учун ёзилган романс.*

4 Нарсаларнинг урилиши ёки ҳаракатидан чиқадиган товуш. *Қарсак овози. Тўқмоқ овози. Шамол овози. Момақалдироқ овози. Соат овози. Дутор овози.* ▬ *Йигирма олтинчи куни тонготарда гумбурлаб чалинаётган карнай овозидан уйғониб кетдим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Узоқдан ҳар замон тўп овози эшитилар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 *кўчма* Фикр, мулоҳаза. *Шарқ ёзувчиларининг овози.* ▬ *-Сизга ўхшаш даллолларга ҳожат йўқ. Сиз халқ бўронини тўсмоқчимисиз? Овозини бўғмоқчимисиз?* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ички ҳис-туйғулар нидоси, амри. *Ғуломжон юрагида портлаган ғазаб уввосига эмас, инсоф овозига қулоқ солди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Лекин қамоқ ҳам шоирнинг иродасини буколмади, овозини сўндиролмади.* «Саодат».

7 Давлат ва жамоатчилик ташкилотларида сайлов ўтказиш ёки бирор масалани ҳал қилишда сайловчилар ёки мажлис иштирокчиларидан ҳар бирининг алоҳида фикри, ўз фикрини баён этиш ҳуқуқи ва усули. *Ҳал қилувчи овоз. Маслаҳат овози.* ▬ *Раис ҳар иккала таклифни ўртага ташлаганда, Холматжон саккиз овоз ортиқ олди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Бир овоздан Барча иштирокчиларнинг розилиги билан, юз фоиз овоз билан; бир оғиздан. *Қарор бир овоздан қабул қилинди.* ▬ *Ўн бир олим бир овоздан, илмий даражасиз ишлайдиган аҳмоқ йўқ, деб туриб олишди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Ёпиқ (***ёки* **яширин) овоз бермоқ** Сайловда бюллетень ташлаш йўли билан ўз майлини билдирмоқ. *Депутатлар сайлашда яширин овоз берилади.* **Овоз бермоқ** 1) товуш чиқариб чақирмоқ ёки чақириққа жавоб бермоқ. *Эшикни тақиллатдим, ҳеч ким овоз бермади;* 2) бирор масаланинг ҳал этилишига, ўртага қўйилган таклифга ёки сайлаш, сайламасликка ўз майлини билдирмоқ. **Овозга қўймоқ**

Бирор масалани ҳал қилиш ёки сайлашда мажлис иштирокчиларининг шу масала ҳақидаги фикрини, розилигини, майлини сўрамоқ. *Элмурод борганда, бюро тўпланган, кимнингдир номзодини овозга қўймоқда эдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ОВОЗА [*ф.* آوازه – ашула, куй; шовқин-сурон; дув-дув гап, миш-миш, довруқ] **1** Юрт-эл орасида бирор нарса, воқеа ва ш.к. тўғрисида тарқалган хабар, гап-сўз, миш-миш. *Бироқ тез кунларда Фозилжон уйланмоқчи эмиш, аммаси қиз қидириб юрибди, деган овозаларни эшитишди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Шуҳрат, довруқ, донг. *Гўзал Арманистон, мени афв эт, Даъвом йўқ шуҳратинг овозасига.* С. Абдулла.

Овоза бўлмоқ *ёки* **овозаси кетмоқ** Шуҳрати ҳар тарафга тарқалмоқ, машҳур бўлмоқ; шуҳрат, донг чиқармоқ. *Бой ҳаммага созу томоша, атрофга овоза бўлсин, деб келин ўтови учун баланд супа қуриб устига оқ ўтов тиктирди.* «Ёшлик». **Овоза қилмоқ** Бирор хабарни эл-юрт орасига тарқатмоқ, довруқ қилмоқ, ёймоқ. *У каналга келиб, юрт оғзига тушиб қолганиданми ё атоқли шоир у тўғрида каттакон очерк ёзиб, республикага овоза қилганиданми, ҳар қалай, энди анча босиқ бўлиб қолганди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 *мус.* Ўн икки мақом тизимидаги пардалар тузилмаси.

ОВОЗКУЧАЙТИРГИЧ Овозни кучайтириб берувчи радиомослама. *Магазин орқасидаги ўша ҳовличанинг пастак, лойшувоқ томига ўрнатилган сандиқдек овозкучайтиргич тўй оқшоми бошланишидан аввалги ғалағовурни район марказининг қарийб ярмига анчагача эшиттириб турди..* «Ёшлик».

2 *айн.* **микрофон**. *Қарсак янграб, овозкучайтиргич бирдан жаранглаб кетди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ОВОЗЛИ Овоз чиқарадиган, овози бор; товушли. *Овозли кино тизими XX асрнинг 20-йилларида юзага келди..* «ЎзМЭ».

ОВОЗСИЗ Овоз чиқармайдиган, овози йўқ; товушсиз. *Ўзбекистонда овозсиз кино даври 1925–35 йилларни ўз ичига олади.* «ЎзМЭ».

ОВОРА I [*ф.* آواره – таъби хира, кўнгли ғаш; дайди, дарбадар, саргардон] **1** Бирор жойда қўним топмаган; дарбадар, саргардон. *Камситилган, хўр тутилган бечоралар. Қадру қиймат, шон-шарафсиз оворалар.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Ким билади, сен сингари, ўғлим ҳам бу кун Қайлардадир кезиб юрар овора, сарсон.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Бирор иш, ҳаракат билан банд, машғул. *Қураев билан Нусратилла юк орттириб жўнатиш билан овора.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Баъзилар кўчат ўтқазишга ёрдамлашар, баъзилар оз-оздан бўлса ҳам тупроқ ташиш билан овора.* С. Зуннунова, Олов.

Икки жаҳон овораси Бирор ишни на у ёқли, на бу ёқли қилолмай, икки ўртада қийналиб қолган, сарсон бўлган, сарсон-саргардон. *Абдураҳмонбой: -Ўлик бўлиб гўрда, тирик бўлиб сонда йўқ, деб шуни айтар экан, Мирзақул икки жаҳон овораси бўлиб қолди.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Овора бўлмоқ** Ўзини койитмоқ; уринмоқ. *Холажон, сиз овора бўлмай, бир оз ўтиринг, мен сиз билан гапиришгани келдим.* С. Зуннунова, Олов. **Овора қилмоқ** 1) кимсани бирор ишга уринтириб қийнаб қўймоқ; койитмоқ; 2) сарсон қилмоқ. *Эсонбойни умидвор қилиб, уни овора қилишнинг нима кераги бор эди?* «Ёшлик».

ОВОРА II: **икки овора 1** *с. т. қ.* **икковара.** *Тошкентлик Мирсоат заргарнинг тўйига келган кишиларга икки оворадан ош тортилиб, нон улаштирилибди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Кишиларни тенг гуруҳларга бўлиш, -тадан (иккитадан, учтадан). *Ширкат вакили ёлланма ишчиларни икки оворадан қилиб ажратди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ОВОРАГАРЧИЛИК 1 Бекорга овора бўлиш, уриниш, сарсон-саргардонлик. *Дўсмат сўраб-суриштиришга киришди. Кўп оворагарчиликдан кейин лунжи осилган бир одамни топди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Беҳуда меҳнат, ташвиш. *Оворагарчиликка арзимайдиган иш.*

ОВОРАЛИК 1 Овора, дарбадар, саргардон эканлик; овора бўлишлик.

2 *айн.* **оворагарчилик.**

ОВОСКОП [*лот.* ovum – тухум + *юн.* skopeo – қарайман] Тухумнинг сифатини текширадиган асбоб. *Новларга қатор териб қўйилган тухумларни текшириш учун ёритувчи блокли овоскоп-столдан фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

ОВОҚТА *эск. айн.* **авахта.** *Аяжон, бой билган билан итингизни овоқта, мушугин-*

гизни турма қилармиди? Ҳамза, Танланган асарлар. *Ҳамма бойларни тумтарақай қилиб, овоқтага қамаб қўйибди.* У. Исмоилов, Сайланма.

ОВРЎПАЧА *айн.* **европача.** *Остонада оврўпача тўқ яшил кўйлакда, гўзал қоматини кўз-кўз этиб Малоҳат турарди.* «Ёшлик». *Яхшибоев ғалати одам экан, деб ўйлади ичида, ростдан ҳам оврўпача тарбия олган кўринади.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОВСАР I Гап англамайдиган, эси пастроқ. *Муҳсина хоним, овсарлиги бекор; ахир, Нина Ричи ёинки Рина Ничини билган кампирни овсар деб бўлармиди?* М. М. Дўст, Лолазор.

ОВСАР II Туя бошига кийдириб қўйиладиган махсус бошвоқ. *Жиғаси нуқрадан, овсари тилла. Мен бўламан ушбу норнинг эгаси.* «Нигор ва Замон».

ОВСАРЛАНМОҚ Ўзини гўлликка солмоқ; гап англамаслик, телбаланмоқ. *Беканинг кўз ўнгимда кечган сўнгги икки йиллик умри давомида мудом овсарланиб, паришонхотир юриши, дам-бадам чуқур хўрсиниб қўйиши сабаблари аёнлашгандек бўлди.* «Ёшлик».

ОВСАРЛИК Овсар эканлик; ўзини тентакликка, гўлликка солиш. *Мингбоши ўзини овсарликка солиб кулди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОВСИН 1 Ака-укаларнинг хотинлари (бир-бирига нисбатан). -*Кеча келиб, бугун хўжайинлик қилишни сенга ким қўйибди, ойимча, — деди қўлини пахса қилиб [келинларнинг] каттаси. Кичиги ҳам овсинидан қолишмай, баттар ўчакишарди..* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Овсинлар ёки қўшни хотинлар орасида бир-бирига нисбатан мурожаатда ишлатилади. -*Оҳ, айланай, овсинжон, — деди бир жувон кулгидан ўзини тийиб, — кўзимиз довуччада бўлган замонлар қандоқ замонлар экан-а?* С. Зуннунова, Олов.

ОВУЛ Кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой; қишлоқ. *Ҳасан қайғичини Хиванинг катта-кичиги, олис овуллардан келувчилар ҳам танийди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Колхозда ишлар тугагач, овулда одамлар уч ой дам олишади.* «Ёшлик».

ОВУЛДОШ Бир овулда яшовчи киши; ҳамқишлоқ. *Ҳурматойга овулдоши Нурбердининг сирли қарашлари тинчлик бермасди.* «Саодат».

ОВУЛЛАМОҚ *шв.* Вовулламоқ.

ОВУНМОҚ 1 Йиғидан тўхтамоқ. *Хайриятки, бола тезда овунди, асалу ёғ омухтаси суртилган эмизикни шимганича ухлаб қолди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Бирор иш билан машғул бўлиб, ўзини тинчитмоқ; юпанмоқ, дард-аламни унутмоқ. *Аҳмад бригадир меҳнат билан овуниб, қариликка чап бериб келаётганлар хилидан эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Руҳан эзилиб, бўшашиб кетаётганини сезган маҳал тезда ўзини қўлга олишга, бошқа бирон аёлни кўз олдига келтириб, овунишга уриниб қоларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОВУНТИРМОҚ Турли йўллар билан тинчлантирмоқ, тасалли бермоқ. *Болани овунтирмоқ.* ▬ *Ёдгорбойдан хат келмай турган бўлса, кампирни шунақа овунтириб турганинг ҳам тузук.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ОВУНЧ *айн.* **овунчоқ.** *Ёшига етиб, кимнидир ва қандайдир юпанч, овунч излаган йигит қалбида ўзи ҳам маъносига тушуниб етмагани муҳаббат деган нарсанинг учқуни туташаётганини сезмай қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ОВУНЧОҚ Кишини овунтирадиган, юпатадиган нарса, кимса, иш; овунч, юпанч. *Қорабой бирпасда ҳаммамизнинг севимли овунчоғимизга айланиб қолди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *Кўнглимга яқин биронта дўстим йўқ. Ҳаётимдаги бирдан-бир илинжим, овунчоғим — иш.* С. Нуров, Нарвон.

ОВУТМАЧОҚ Болалар ўйинининг бир тури. *М. Андреев эса Ўрта Осиё халқлари орасида тарқалган «Ҳавзак-ҳавзак» овутмачоғининг 13 намунасини нашр эттирди.* Газетадан.

ОВУТМОҚ 1 Йиғидан тўхтатмоқ. *Нафиса сукут ичра йиғлаётган гўдакни овутишга киришди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн.

2 Тасалли бериб юпатмоқ, овунтирмоқ. *Нега Асроранинг олдига кирмадим, нега икки оғиз илиқ сўз билан уни овутмадим, деб ўзини ўзи койиди.* С. Аҳмад, Уфқ. -*Кўпи кетиб, ози қолди, — овутди уни Усмонжон, — ҳеч нарса эмас, бу қийинчиликлар ўтиб кетади.* С. Зуннунова, Олов.

ОВУШМОҚ *шв.* Алишмоқ, алиштирмоқ.

ОВЧИ Ов иши билан шуғулланувчи, ов қилувчи киши. *Милтиқ кўтарган билан овчи бўлмас.* Мақол. ▬ *Овчи бўлиш учун қизи-*

қишнинг ўзи кифоя қилмайди, нишонга тўғри ура билиш ҳам зарур. Шукрулло, Сайланма.

Овчи ит Овга ўргатилган ит.

ОВЧИЛИК Ов билан шуғулланишлик; овчи касби. *Овчи одам боғбонлик қилиб даромад топишидан кўра, кўпроқ қандай бўлса ҳам, ўз овчилиги орқали каттароқ ўлжа тушириш, унинг бўладиган жойлари ҳақида кўпроқ бош қотириши маъқул.* Шукрулло, Сайланма.

Овчилик хўжалиги Мамлакатдаги овчилик майдонларини қўриқлаш, тиклаш ва улардан фойдаланиш, умуман, ов ишларини назорат қилиш билан шуғулланувчи хўжалик.

ОВШУНОСЛИК Ов қилиш ва овчилик хўжалиги, ов қилинадиган ҳайвонлар турларини бойитиш, ундан самарали фойдаланиш ҳақидаги фан. *Ўзбекистонда овшуносликка оид ишлар овчилик хўжаликлари, Ўзбекистон ФА институтлари давлат қўриқхоналарида олиб борилади.* «ЎзМЭ».

ОВҚАТ I [*а.* أقوات – озиқ-овқат, егулик; озуқа, ем; бу сўз **қут** – قوت с. кўпл. бўлиб, у ўзбек тилига метатеза йўли билан ўзлашган: авқот < ақвот] **1** Ризқланиш, ейиш-ичиш учун тайёр нарса; емиш, таом, емак. *Тамли овқат. Иссиқ овқат. Енгил овқат. Парҳез овқат. Хушхўр овқат. Кечки овқат. Тушки овқат. Болага овқат едирмоқ.* ▬ *Мулла Норқўзи овқатини еб, чойга умидвор бўлиб ўтирганида, кўча эшигидан ёшгина бир хотин кириб келди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Аҳмад бригадир овқатга нон тўғраб, иштаҳа билан овқатланди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

Овқат қилмоқ 1) таом тайёрламоқ, пиширмоқ. *Тезроқ уйга бориб, чолнинг оғзига ёқадиган овқат қилиб беришга шошиларди.* С. Аҳмад, Юлдуз. 2) таом емоқ, овқатланмоқ. *Биз.. уларни ёнимизга, бирга овқат қилишга чақирдик.* А. Раҳмат, Соқов бола.

2 Овқатланиш. *Сидиқжон овқатдан кейин қўлига газета олган эди, бир мақолани ярим-латмасдан кўзи сузилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Овқат устида Овқат ейилаётган вақтда, дастурхон устида. *Овқат устида ҳеч ким ортиқча сўзламади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Уй ҳайвонларининг ем-хашаги; озиқ; озуқа. *Молларга овқат солмоқ.*

4 Ейиш, ичиш, тирикчилик учун даркор нарсалар; озиқ. *Фуод афанди бизга меҳрибончилик қилиб, овқатимизга қарашиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОВҚАТ II [*а.* أوقات – **вақт** (وقت) с. кўпл.] Вақт(лар), даврлар, мавсумлар; тирикчилик, кун ўтказиш.

Овқат(ини) ўтказмоқ Тирикчилик қилмоқ, кун кечирмоқ. *Катта ўғли ҳар кимларга сув ташиб бериб, овқатини ўтказиб юрарди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

ОВҚАТЛАНИШ 1 Овқатланмоқ фл. ҳар. н. *Овқатланиш вақти. Овқатланиш маданияти.*

2 Овқат ейиш; кун кечириш тарзи. *Умумий овқатланиш.* ▬ *Сифатли овқатланиш, завқли меҳнат, яхши дам олиш узоқ умр гаровидир.* Газетадан.

ОВҚАТЛАНМОҚ Овқат емоқ, ризқланмоқ. *Умид Қўшчи бобо звеносида ишлар, бирга овқатланар, тракторчини шийпонга ўтқазиб, бир-икки соат ўзи тракторда культивация қиларди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОВҚАТЛИК Овқат бўладиган нарсалар (дон-дун, ёғ-гўшт, сабзавот ва ш.к.). *Қишга овқатлик ғамламоқ.*

ОВҚАТ-ОЗИҚ *айн.* **озиқ-овқат.**

ОВҚАТХОНА [овқат + хона] Овқат ейиладиган, таом ейиш учун ажратилган махсус хона; ошхона. *Бошқа мамлакатларда ташкил этилган шундай овқатхоналар ҳам ресторан деб атала бошланди.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ОГОҲ [*ф.* آگاه – билувчи, хабардор, зийрак, ҳушёр] **1** Бўлиб ўтган ёки бўладиган иш, ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. дан хабари бор; хабардор, воқиф. *Алишернинг барча яқинлари бу гаплардан огоҳлар.* Ойбек, Навоий. *Шу ҳафталарда Заргаровнинг авзойидан огоҳ бўлиб юрган Дмитрий Казимирович бир кун тонг бўзармай, унинг уйига кириб келди.* А. Мухтор, Танланган асарлар.

2 Ҳушёр, сергак. *Молларнинг сўйилиб ёки йўқ қилиб юборилмаслиги учун огоҳ бўлиб туриш керак.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Огоҳ бўлки, ғазаб бамисоли инсон ичидаги ёниб турган чўғдир.* «Фан ва турмуш».

ОГОҲЛАНТИРИШ 1 Маълум иш-ҳаракат ҳақида хабардор, огоҳ қилиш. *Маҳаллий аҳолини сел ва кўчки хавфидан огоҳлантириш керак.*

2 Ишда камчиликка йўл қўйган, хато қилган ходимларни расмий йўл билан жазо-

лаш чораси; танбеҳ. *Бу галча унга огоҳлантириш берилди.*

ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ Огоҳ этмасдан, хабардор қилмасдан; қўққисдан. *Биринчи котиб йиғилганлар олдига чиқиб, озгина сўзлагандан кейин, ўтирган халққа қарата огоҳлантиришсиз ўқ узилди.* «Фан ва турмуш».

ОГОҲЛАНТИРМОҚ 1 Огоҳ, хабардор қилмоқ, хабар бермоқ. *Нима қиламиз? Прокурорни огоҳлантирдик, ғаввосларни чақирдик. Ҳозирча шов-шув кўтармай туриш керак.* «Ёшлик».

2 Бирор тўғрида танбеҳ бериб қўймоқ, эслатмоқ. *Зиёдилла укасининг қулоғига шивирлаб, алланима демоқчи эди, Сергей нагани билан унинг биқинига туртиб, огоҳлантирди: Гаплашиш мумкин эмас!* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Солиев уни кўп огоҳлантирди, бўлим бошлиғига ҳам айтди. Бироқ Эшбоев бари бир ўзиникини маъқуллади.* «Ёшлик».

ОГОҲЛАНТИРУВ *айн.* **огоҳлантириш.**

ОГОҲЛИК Огоҳ бўлишлик, ҳушёрлик. *Огоҳлик — давр талаби.* Газетадан. *Огоҳликни кўрдан ўрган, Доноликни — илмдан.* Мақол.

ОДА [*юн.* ode — қўшиқ] **1** *ад.* Бирор муҳим воқеа, нуфузли шахс шарафига ёки ўта аҳамиятли мавзуда тантанавор руҳда яратилган шеърий асар (Шарқ мумтоз адабиётидаги қасида жанрига яқин туради).

2 *мус.* 17-асрдан Европа мусиқасида бирор муҳим воқеа ёки ғалаба муносабати билан яратилган тантанавор вокал-чолғу мусиқа асари. *Кўпчилик ижодкорлар Тошкент юбилейига муносиб туҳфалар тайёрлаш ҳамда танловда муваффақиятли қатнашиш учун драма, мусиқали драма, опера, ода, кантата, сюита ва бошқа саҳна асарлари яратишмоқда.* Газетадан.

ОДАМ [*а.* آدم — Одамато; инсон] **1** Фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, шу туфайли бошқа ҳамма махлуқотдан устун турувчи жонли зот; киши, инсон. *Ибтидоий одам.*

2 Кишилик жамиятининг айрим бир аъзоси, шахс. *Яхши одам. Ҳалол одам. Асл одам. Аблаҳ одам. Одам борки, одамларнинг нақшидир, одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.* Мақол. ▬ *Одам тафтини одам кўтаради деганидек, Низомжон келиб, уй тўлиб қолгандек бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Аваз ўзича ўйланди: «Бир улуғ одамнинг, бир ғарибнинг жанозасига одам кўп келади, деганлари рост экан-да».* С. Сиёев, Ёруғлик. *Булар бу ерга ўтиргани келгани йўқ, бир одамни қидириб келишган.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *Бизнинг Набигул одам эмас ўзи! Ёш-да, ҳали ошна-оғайнигарчиликни билмайди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Одам боласи (*ёки* **фарзанди)** 1) одамзод, инсон. *Одам боласининг қўллари қўл ҳолида турганда чиройли экан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Тавба, хурсандчилик одам боласини нималар қилмайди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) чин инсоний фазилатларга эга бўлган шахс, чин инсон. *Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл!* Мақол. ▬ *Ҳе, хотин, улар бизни одам боласи деб келган, одамгарчилигимиздан миннатдор бўлиб, хурсанд бўлиб кетишди.* Шукрулло, Сайланма. **Одам бўлмаслик** Тузалмаслик, шу куйи қолмоқ. *Мен севган дўстларимдан ажралдим, одам бўлмадим, бу кунимдан ўлганим яхши, деб кайф билан эшикдан кириб келиб қолди.* Шукрулло, Сайланма. **Одам бўлмоқ** 1) тарбият топиб, яхши фазилатларга, чин инсоний хислатларга эга бўлмоқ. *Ҳар бир ота-она ўғил ва қизининг одам бўлишини, бахт-саодатли ҳаёт кечиришини, турмуши лаззатли бўлишини истайди.* Газетадан; 2) *кўчма* тузалиб, семириб, ёшариб қолмоқ. *Турсунбойни кўриб қолдим, анча тўлишиб, одам бўлиб қолибди.* «Ёшлик». **Одам қилмоқ** 1) тарбиялаб, чин инсонга, яхши фазилат соҳибига айлантирмоқ. *Гап шуки, шу канал, шу муҳит мени одам қилди.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) *кўчма* боқиб, тарбиялаб катта қилмоқ. *Худойқул менинг ўз жигарим, аммамдан қолган сағир. Етти ёшидан боқиб, одам қилдим.* П. Турсун, Ўқитувчи; 3) *кўчма* тузатмоқ; яроқли ҳолга келтирмоқ. *Ташландиқ «Урал»ни одам қилган, шу приёмникни тузата олмайсанми?* Т. Ашуров, Оқ от. **Нима деган одам бўлди** Бировнинг олдида хижолат бўлди; уялиб қолди, обрўси тўкилди обрўсиз бўлди. *Вой шўрим, энди нима қиламан, Расулжон олдида нима деган одам бўлдим.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 Жамоа хўжалиги, оила аъзоларининг ҳар бири; жон. *Одам бошига беш сўмдан. Харажат ва даромадларни одамга қараб тақсимламоқ.* ▬ *Ҳашарга ҳар бир хўжалик қирқтадан одам беради.* Т. Ашуров, Оқ от.

4 Бирор бой-бадавлат ёки амалдор кишининг хизматкори ёки тарафдори. *Кейинги йилларда хон одамлари қишлоқма-қишлоқ*

юриб, кўпроқ пахта экишни талаб қилишяпти. С. Сиёев, Ёруғлик. *Бундан кейин гапларимни уқиб олинг, модомики мен билан companion бергасиз, менинг одамимсиз, ҳар бир ишни мен билан баҳамжиҳат қилинг.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Ўзга жамоа ёки оила вакили. *Лекин қизларидан яширинча куёвникидан одам келиб қолар, деб кутдилар.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОДАМАТО, одам алайҳиссалом Қуръонга кўра, Оллоҳ томонидан яратилган ер юзидаги биринчи одам ва инсон зотининг отаси. *Бир пайтлар бўлмиш у жаннатмисол боғ, Адолат, бахт-иқбол, комронлик аро, Одамато қавми яшамиш ул чоғ Масъуд, шод: тенг экан шоҳу фуқаро.* А. Шер, Қадимги куй.

Одаматодан қолган Жуда қадим замонлардан, дақёнусдан қолган.

ОДАМБОП Одамга муносиб; одам туриши, яшаши учун мосланган. *«Бизнинг колхозчилар ажойиб-да. Қаерга қадами тегса, у ерни бирпасда одамбоп қилади», — деб ўйлади ичида Ўктам.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ОДАМГАРЧИЛИК 1 Одамларга муҳаббат, меҳрибонлик; инсонга яхши муносабатда бўлиш; инсонийлик, инсонпарварлик. *Бирдан Азизхоннинг одамгарчилиги тутди-ю, илдам бориб, Эш полвонни белидан кўтарди. Эш полвон унинг одамгарчилигини писанд қилмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *«Элга қўшилмайсан, одамгарчилигинг борми?» дейишавериб бошимни оғритишди.* Газетадан. *«Иш, иш» деб, одамгарчиликниям унутиб қўйибман, шекилли.* «Ёшлик».

Одамгарчилик қилмоқ (*ёки* **кўрсатмоқ)** 1) инсонпарварлик юзасидан иш қилмоқ, чин инсон каби муносабатда бўлмоқ; шафқат ва меҳрибончилик кўрсатмоқ. *Биз уни тарбият қилгин.. хор-зор бўлмасин, деб одамгарчилик қилдик.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) илтифот қилмоқ, лутфан қаршиламоқ. *Сенга биров одамгарчилик қилиб, ёнингни олса.. Одамгарчилик кони зарар, деб шуни айтишади-да, ўртоқ.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Инсоний қиёфа, юриш-туриш.

Одамгарчиликдан чиқмоқ Инсоний қиёфасини йўқотмоқ, ножўя юриш-туриш туфайли кишилар назаридан четда қолмоқ. *Эшбоев, жиноятчи — одамгарчиликдан чиққан шахс, шунинг учун ҳам у билан одам тилида гаплашиш шарт эмас, деб ҳисоблади.* «Ёшлик». *-Афюннинг кайфи қурсин, домла! Сизни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди, — деди Абдураҳмонбой.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОДАМЖОН Одамдан жонини ҳам аямайдиган; одамсевар, меҳрибон. *Бобомирза оиланинг одамжони, ақлли кенжаси бўлиб, ота эшигидаги тартиботни унча ёқтирмас эди.* И. Раҳим, Тақдир.

ОДАМЗОД [*а.* + *ф.* آدمزاد — одамдан туғилган, одам боласи; инсон] **1** Одам боласи; инсон, киши, башар. *Ер юзида одамзоднинг пайдо бўлиши.* ▬ *Жоҳиллик, қабоҳат, ҳасад одамзоднинг юрагини моғорлатиб, ишдан қолдиради, асл мақсадидан узоқлаштириб, умрининг беҳуда елдек ўтишига сабаб бўлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Одамзоднинг кўзи ёмон бўлар экан, ука.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Инсоният, одамият.

ОДАМИЙ [*а.* آدمی — инсоний, инсонларча; тирик мавжудот, инсон] **1** *от* Чин одам, ҳақиқий инсон, одамларга жонкуяр. *Ким, кучук бирлан хўтикка қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур бўлмаслар асло одамий.* Алишер Навоий.

2 *сфт.* Одамга, чин инсонга хос хусусият. *Одамий қиёфа. Одамий фазилатлар.*

ОДАМИЙЛИК Одамга, чин инсонга хос хислатлар; чин одамлик, инсонлик. *Одамнинг одамийлиги унинг фарзандларига, оиласига ва яқинларига бўлган мурувватидан бошланади.* Газетадан. *Одамийлик фазилатлари ҳеч қачон магазинда сотилмайди.* Газетадан.

ОДАМИЯТ [*а.* آدميّت — инсон табиати; инсон қадр-қиммати; инсоният, инсонийлик] *кт.* **1** Одамзод; кишилик, инсоният, башар. *Мана, ҳар бир ишда садоқат ва матонатни ва ахлоқда ҳусну назокатни, одамиятда ғайрат ва жасоратни кўриб, тажриба қилган Абдулраҳмонбой ёлғизгина қизи Назокатхонни Олимжонга берди..* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Одамийлик, одамгарчилик. *Сизда одамият бўлса, бу ғарибу нотавонга раҳм қилмаганингизда ҳам, анови шўрлик болаларнинг зорига раҳм қилишингиз керак эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОДАМКУШ [*а.* + *ф.* آدمکوش — одам ўлдирувчи] **1** Одам ўлдирувчи; қотил; жаллод. *«Элчи» ўрнига бирорта одамкушни юбориб,*

шундоқ суробини тўғрилаб қўйса-чи? Қўлидан келади буларнинг. «Шарқ юлдузи». *-Бор — деди Яхшибоев, — Бориб, мени Ёшуллига сот, бирорта одамкушини ёллаб юборсин.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *кўчма* Раҳм-шафқатни билмайдиган; раҳмсиз, шафқатсиз.

ОДАМКУШЛИК Одам ўлдириш билан шуғулланиш. *Одамкушлик, ўғрилик, фирибгарлик, манфаатпарастликни ўзига касб қилиб олган айрим палидларнинг кирдикорлари ҳам ёвуз ироданинг амалдаги кўринишларидандир аслида.* «Фан ва турмуш».

ОДАМЛАРЧА *рвш.* Одамлардай, чин инсонга хос бир тарзда, одамийлик билан, одамийлик юзасидан. *Симхаев заводидаги ерлик ишчилар иш ҳақининг оширилишини, жарималарга барҳам берилишини, ишчиларга одамларча муомала қилинишини талаб этиб, иш ташладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Менга бундай бақирма, одамларча муомала қил!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОДАМЛИК 1 Одам, инсон эканлик, одам бўлишлик.

2 *айн.* **одамийлик.** *У оилавий муносабатлардаги бурчни тушунар ва одамликнинг бошланиши деб қарар эди.* С. Зуннунова, Олов. *Йўлчида ўз кучига ишонган, қадр-қимматини баланд тутган камбағал йигитнинг, одамликнинг ғурури кучли эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Садқайи одамлик (кетсин)! Одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишни қилган кимсага танбеҳ юзасидан айтиладиган ибора. *Қўйинг, Салимахон, хафа бўлманг, садқайи одамлик кетсин, у бу яхшиликни билмаса ҳам, халқ билади.* «Ёшлик».

ОДАМОВИ Одамлардан ўзини четга олиб юрадиган, ҳеч кимга қўшилмайдиган, эл-халққа аралашмайдиган. *Ражаб болаликдан камгап, одамови чиқди.* Ҳ. Назир, Индамас. *Йигитлардан кимдир Ҳури ҳақида гап очиб, уни одамови дебди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

ОДАМОХУН [одам + *ф.* آخوند — диний арбоб, муаллим, мураббий] Одамгарчиликни биладиган, одамнинг иззат-ҳурматини бажо келтирадиган, биров учун жонини ҳам аямайдиган; олижаноб. *Одамохун одам. Одамохун оила.* ▬ *Абдуваҳоб билан бир суҳбатлашган киши яна суҳбатлашай дейди. Ажойиб одамохун, шинаванда йигит.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Барака топсин, янги секретарь жуда одамохун чиқиб қолди.* Уйғун, Дўстлар. *Тавба, хўп аломат одам-да! Бу кўтир дунёда шунақа одамохунлар борлигига ҳеч ақлим етмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Фарзандларимизнинг одамохун.. бўлишини хоҳласак, уларнинг.. кайфияти билан ҳисоблашиб катта қилайлик.* Газетадан.

ОДАМПАРВАР [*а.* + *ф.* آدمپرور — одамсевар, инсонпарвар] *айн.* **инсонпарвар.** *Улар шу қадар одампарвар аёл билан учрашганларидан ниҳоят руҳландилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОДАМПАРВАРЛИК Одампарвар эканлик, инсонсеварлик; инсонийлик. *Одампарварлик кўрсатмоқ.* ▬ *Элмурод саволларнинг мазмунини дарров англаб, раҳбарнинг бунчалик одампарварлиги ва зийраклигидан жуда қойил бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОДАМСИМОН Одамга ўхшаган, одам тахлитидаги; одамсифат. *Одамсимон маймун.*

ОДАМСИФАТ [одам + сифат] *айн.* **одамсимон.** *Эртакларда одамсифат ялмоғиз, Ёвуз девлар бўлар эди бегумон.* «Шарқ юлдузи».

ОДАМТАХЛИТ [одам + тахлит] *айн.* **одамсимон.** *Одамтахлит маймун.*

ОДАМХЎР [*а.* + *ф.* آدمخور — одам еювчи] **1** Одам гўштини ейдиган; ёввойи, ваҳший. *Бир тоғнинг изасида одамсифат, одамхўр, ваҳший жондорларнинг макони бор эди.* «Ёдгор».

2 *кўчма* Ўтакетган ёвуз, золим, қотил, жаллод. *Одамхўр золимлар, беклар, хоқонлар Олтин қадаҳларда шароб ичарди.* Уйғун. *Ҳайитгул опа каби аёллар фронт орқасида одамхўр Гитлер уясини ўққа тутганлар.* «Саодат».

ОДАМХЎРЛИК 1 Одамхўрларга хос хусусият; одамхўр эканлик.

2 Ибтидоий тараққиёт босқичидаги одамлар ўртасида кишининг гўштини ейиш одати.

ОДАМШАВАНДА [*а.* + *ф.* آدمشونده] **1** Одамнинг қадрига етадиган, кишининг ҳурматини бажо келтирадиган; одамохун. *Одамшаванда йигит.* ▬ *-Назирахон жуда одамшаванда, яхши қиз экан, шу қизни келин қилсак қандай, бўларкин, — деди Саодат.* Ф. Мусажонов, Яхши қиз.

2 *кўчма* Одамга ўхшаган, одам қаторидаги. *Колхоз тузилгандан бери аввалда хор-*

зор бўлиб юрган бирмунча батрак.. одамшаванда бўлиб, каторга кириб қолган. Ҳ. Шамс, Характеристика. *Энди одамшаванда сўзлашайлик, йиғи нима ҳожат!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Одамшаванда қилмоқ Одам қаторига, тахлитига киритмоқ, тарбияламоқ. *Хуллас, мулла Обидни бошқа эпақага олиш, одамшаванда қилиш Тиктепа меҳнаткашлари учун арзонга тушмади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ОДАМШАВАНДАЛИК Одамнинг қадрига етишлик, ҳурматини бажо келтиришлик; одамгарчилик; олийжаноблик. *Фидокорлик, ташкилотчилик, камтарлик, одамшавандалик — буларнинг ҳаммаси талантли олимларга хос фазилат.* «Ёшлик».

ОДАТ [*а.*عادت — удум, таомил; ўрганиш; малака, одатланиш] **1** Ўрганиш бўлиб қолган ҳаракат, қилиқ. *Яхши одат. Ёмон одат. Сенинг одатинг менга маълум. Бу отнинг тишлайдиган одати бор. Одат қилмоқ. Тарки одат — амри маҳол.* Мақол. ▬ *Ҳасаналининг ортиқча берилиб ўйлаган кезда соқолини қайириб тишлайдиган бир одати бўлиб, ҳозир ҳам соқолини ямлаш билан машғул эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар қандай ерга сўрамай-нетмай кириб боравериш оқсоқолга одат эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ота-боболан қолиб келаётган ва кишиларга сингиб кетган ёки янгидан сингиб бораётган расм-русум, удум, тартиб. *Эски одат.* ▬ *Йилни ўн икки ҳайвон номи билан аташ одати ва 12 йиллик давр билан вақт ҳисоблаш анъанасига Қадимги Хитойда асос солинган.* «Фан ва турмуш». *Эрталаб, одат бўйича, Нури тўр рўмол ёпиниб, бешикдаги боладан то кексаларга қадар — ҳаммага салом қилар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳатто шундай бир одат борки, кимдир вафот қилса, унинг тобутини кўтариш олдидан, албатта, кўпчилик ўртасида, марҳумнинг олган-бергани борми, деб сўралади.* Шукрулло, Сайланма.

Одатдан ташқари Одатдагича эмас, ундан ўзгача; фавқулодда. *Саман йўрға йўлга тушди, човига одатдан ташқари бир-икки қайта келиб тушган аччиқ қамчи зарбидан бир онда кўздан ғойиб бўлиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОДАТАН *рвш. кт.* Одат бўйича, одатдагича, ҳар вақтдагидек. *Одатан кун қиёмга етганда, завод гудок берар эди.*

ОДАТДА *рвш.* Одат бўйича, одатга кўра. *Одатда кичиклар катталарга салом беради.* ▬ *Одатда эр-хотин орасида гап қочганда, бегона ёнида бўлса, данакдек жанжал ёнғоқдек бўлиб кетади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Одатда ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш учун 3 соат дам олиш етарли бўлади.* «Фан ва турмуш».

ОДАТДАГИ Одатда бўладиган, одат, ўрганиш бўлиб қолган, одат ҳукмига кириб қолган; одатий. *Одатдаги иш. Одатдаги муомала.* ▬ *У ҳужрага кириб, яна одатдаги жойига ўлтирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Мавлуда қизчасини кўтариб кириб келганда, Марзия хола унинг одатдаги келиши деб ўйлаб, хушнуд қарши олди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Қоида, қонун кўринишидаги; доимий. *Гап бўлакларининг деярли ҳаммаси одатдаги ўрнини ўзгартириб, турғун инверсион ҳолатда бўла олади.* «ЎТА».

ОДАТДАГИДАЙ, =дек *айн.* **одатдагича.** *Сарви хола, одатдагидек, ширин бўпти, яхши бўпти деган гапларни айтмади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Абдурасул одатдагидек жуда барвақт уйғонди ва меҳмон тургунча, нимадир юмуш билан кўчага чиқиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОДАТДАГИЧА *рвш.* Ҳар вақтдагидай, одатда бўладигани каби; одат бўйича. *Гузарда одам одатдагича қалин ва суронли эди.* Ойбек, Нур қидириб.

ОДАТИЙ Одат бўлиб қолган, одат ҳукмига кирган, одатда бўладиган; одатдаги. *Одатий нарса. Одатий байрам.* ▬ *Ҳасанали дастурхон ёзиб, қумғон киргизди. Одатий такаллуфлар билан дастурхон ва чойга қаралди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бадиий фикрнинг ўзи одатий фикрнинг қайта қурилишидир.* Газетадан.

ОДАТЛАНМОҚ Одат қилмоқ, бирор ишга, нарсага ўрганиб қолмоқ. *Эрталаб барвақт туришга одатландим.* ▬ *Мирзакаримбой, савдогар назокатиданми ёки одатланганиданми, нонни жуда майда ушатган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОДАТЛАНТИРИЛМОҚ Одатлантирмоқ фл. мажҳ. н. *Бола катталарни ҳурмат қилишга одатлантирилмоғи керак.*

ОДАТЛАНТИРМОҚ Одатланмоқ фл. орт. н. *Болани ёшлигидан озодаликка одатлантириш керак.*

ОДДИЙ [*а.* عادى – одатдаги, одатга айланган; кундалик; меъёрий; содда] **1** Одатдаги, ҳар вақт бўлиб, учраб турадиган, ўрганиш бўлиб қолган. *Оддий машғулот.* ▬ *Оддий ёз тонги.. Қуёш Калковуз суви бўйлаб ўсган қалин толларнинг учида ўйнайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юсуфбек ҳожи бекнинг уйланишини ҳам оддий гаплар қаторида эшитиб ўтказди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Англашилиши, ҳал этилиши осон, унча мураккаб бўлмаган; осон, жўн. *Оддий савол. Оддий масала.* ▬ *Биз, катталар, кўпинча оддий ҳақиқатни унутамиз, ёшларга ишончсизлик билан муомала қиламиз.* Газетадан. *Найнов оддий нарсага ҳам ақли етмагани алам қилиб, яна сигаретага ёпишди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Кўп қаторидаги, бошқалардан алоҳида ажралиб турмайдиган. *Бир вақт ўртага сочлари ўсган, ўзига ортиқча эътибор қилмай, оддийгина кийинган бир ёш шоир чиқиб, муҳаббат ҳақида шеър ўқий бошлади.* Шукрулло, Сайланма.

4 Сифат жиҳатидан айтарли яхши эмас; жўн; содда, ҳашамдор эмас. *Оддий чит.* ▬ *Гулнор оддий қизил кўзли кумуш узукни чўнтагидан олиб, Унсинга берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Салим аканинг тепаликдаги уйи оддий қишлоқ уйларидан бўлиб, ташқаридан тўғри уйга кирилarди.* «Ёшлик».

5 Камтар, камсуқум, одми. *Оддий одам.*

6 Шунчаки, номига. *Бир ҳафтадан кейин қиз Жамолзоданинг устахонасига ташриф буюрди. У «Кўккўл тонги»ни кўриб, оғзи очилиб қолди. Ўшанда кўргани ҳозирги полотнонинг олдида оддий эрмак эди.* «Ёшлик».

Оддий аскар Унвон олмаган аскар; солдат. **Оддий каср** *мат.* Сурати махражидан кичик мусбат каср. **Оддий моддалар** *ким.* Молекулалари бир хил атомлардан тузилган моддалар.

ОДЕКОЛОН [*фр.* eau de Cologne – Кёльн (шаҳар номи) суви] Хушбўй моддаларнинг спирт-сувдаги эритмаси; хушбўй иси, роҳатбахш гигиеник суюқлик; атир. *Бинафша ҳидли одеколон. Одеколон сепмоқ.* ▬ *Киприкка суртиладиган тушь қуриб қолган бўлса, идишнинг ичига бир неча томчи одеколон томизиш керак.* «Саодат».

ОДЕЯЛ [*р.* одеяло < одеть – «ёпмоқ, қопламоқ, ўрамоқ» фл. дан] Ухлаганда одам устига ёпинадиган, жун ёки бошқа материалдан тўқилган кўрпачасимон буюм; адёл. *Нафиса уйғониб кетиб, аллавақтгача хомуш ўтирди. Пишиллаб ухлаётган ўғлини тўғрилаб, устига одеял ёпиб қўйди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОДИЛ [*а.* عادل – адолатли, ҳаққоний; қонунга асосланган] **1** Бирор томонга ён босмай, қонун, адолат юзасидан холисона, ҳаққоний иш тутадиган; адолатли, беғараз, тўғри. *Одил одам. Одил ҳукумат. Одил судья. Одил турмоқ.* ▬ *Рихси бундай гапларни, унинг меҳнатини, уни ҳимоя қилиб айтилаётган бундай сўзларни биринчи марта эшитар, бу хилда одил одамлар борлигини энди кўриб турмоқда эди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Адолат билан тузилган, адолат руҳи билан суғорилган; адолатли. *Аммо бунинг учун сен таклиф этган кураш фалсафаси эмас, гўзал ва одил қонунлар, ислоҳотлар керак.* Ойбек, Нур қидириб.

Одил судлов Ҳақиқий ҳолатни аниқлаб, томонлар ўртасидаги келишмовчилик ва низоларнинг фақат суд томонидан ҳал этиб берилиши.

2 Одил (эркаклар исми).

ОДИЛЛИК 1 Одил кишиларга хос хатти-ҳаракат. *Одамлар оғзида Элмуроднинг астойдиллиги, одамшавандалиги, ақли, билими, одиллиги, ғайрати тўғрисида гап кўпайгач, Тожибой ён босишга мажбур бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **адолат 1.** *Одиллик билан иш тутмоқ.*

ОДИЛОНА 1 *рвш.* Одиллик билан, адолат юзасидан, ҳақиқатга асосланиб, адолатли равишда; беғараз, ҳаққоний. *Одилона суд қилмоқ. Одилона иш тутмоқ.* ▬ *[Навоий]: Менингча, халқнинг талабига одилона қулоқ солмоқ лозим.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 *сфт. взф.* Адолатли, ҳаққоний; қонунга, ҳуқуққа асосланган. *Одилона ҳукм. Одилона хатти-ҳаракат. Одилона талаб.* ▬ *-Вазири бузрук, мен хон ҳазратларининг одилона ишларини халққа кўрсатмоқ тараддудидаман, – деди Пирназарбой.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ОДИМ 1 Олға ёки орқага, ўнг ёки сўлга оёқ ташлаб қилинган ҳаракат; қадам. *Кўчанинг бурилишида яна бир оз унинг [Отабекнинг] одимлари секинлашса ҳам, лекин олдин-*

лашни қўймай бораверди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Одим олмоқ Юра бошламоқ, юришда, қадам ташлашда давом этмоқ. *Бирга одим олдик чўққилар сари.* Т. Тўла. **Одим отмоқ (***ёки* **ташламоқ)** 1) қадам ташлаб олдинга юриб бормоқ. *Барчиной лангарни маҳкам ушлаб, оҳиста одим отган куйи, тобора илгарилайверди. Одамлар унинг ҳар бир қадамини ҳадикли бир ҳайрат билан кузатишарди.* Н. Қиличев, Чиғириқ; 2) *кўчма* илгари силжиб бормоқ, илгари босмоқ. *Истиқбол сари ишонч билан одим ташламоқ.* **Одим қўймоқ** 1) қадам босмоқ, юрмоқ. *Бола одим қўйиб кетяпти;* 2) бирор жойга етиб бормоқ, эришмоқ. *Ю. Гагарин тарихда биринчи бўлиб космосга одим қўйди.* **Одимини бўшаштирмоқ** Юришини секинлаштирмоқ, секинлашмоқ. *Йўл бошловчи парвойифалак, бархан ошиб, илгарилаб борарди. Худди жон керак бўлса, етиб олсин дегандай, одимини бўшаштирмайди.* М. Мансуров, Ёмби. **Одимини тезлатмоқ** Юришини тезлатмоқ, тезроқ юрмоқ.

2 Бир қадам оралиғидаги масофа; шу масофага тенг ўлчов бирлиги. *Бир одим. Орамиз икки одимча келади.* ▬ *Бойнинг дарвозасидан йигирма одим наридаги эски, кичкина эшик кишининг ғашини келтирувчи товуш чиқариб очилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Ўсиш, ривожланиш суръати. *Қайта қуришнинг одимлари тобора шиддаткор бўлиб боряпти.* Газетадан.

4 *кўчма* Ҳаракат, қадам олиш, юриш-туриш. *Унинг одими бежо!*

Бир одим Яқин, бир қадам. *Бошқалар учун узоқ, жуда узоқ туюлган район маркази унинг учун бир одим – на қиш изғиринини билади, на саратон жазирамасини.* Н. Норқулов, Тўқнашув. **Одимда, одим жойда** (*ёки* **сайин**) Ҳар қадамда (тез-тез учраб турадиган нарса ҳақида). *Одимда чойхона.* ▬ *[Отабек ва Али] Одим сайин бир ўликка учрар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Одимни санаб босмоқ** 1) секин, имиллаб юрмоқ; 2) *кўчма* эҳтиётлик билан иш тутмоқ. *[Отабек] Одимини санаб босиш, бир чўқиб саккиз ёққа қараш каби эҳтиётликларга.. ўрганиб қолган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОДИМЛАМОҚ 1 Қадам ташлаб юрмоқ, қадам босиб бормоқ, қадам босмоқ. *Аста одимламоқ. Тез одимлаб бормоқ.* ▬ *Ҳақназар машинасидан илдам тушиб, гавжум дарахтлар орасидаги қаҳвахонага ёнма-ён ўрнашган магазин томон одимлади.* «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма* Олға томон жилмоқ, олдинга жилиб бормоқ, илгари босмоқ. *Иш тез суръатлар билан одимламоқда. Юртимизда футбол марафони одимламоқда.*

3 Одим билан ўлчамоқ, қадамлаб ўлчамоқ. *Ҳовлининг узунлиги одимлаб чиқилди.*

ОДИМЛОВЧИ: одимловчи экскаватор Таянч қисмларини галма-гал одимлатиб, олға силжувчи экскаватор. *У [Шерали] ҳар тонг одимловчи экскаваторнинг кабинкасига чиқиб, қош қорайгунча канал қазирди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ОДМИ 1 Ранги-туси, гули кўзга яққол ташланмайдиган; содда, сипо. *Одми чит. Одми кўйлак. Одми кийинмоқ.* ▬ *Ёш жувонлар гажак қўйиб, кексароқлари соч фарқини тўғри очиб, одмигина кийиниб, концертга жўнаб кетишди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўзбек ойим тўйга борадиган хотинлардек ясанган, эгнида одми хонатлас кўйлак, бошида оқ шоҳи дакана, кўзида сурма эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Оддий, содда, камтар. *Одми одам. Одми гап.* ▬ *Эломонов атрофга кўз югиртирди. Хона одмироқ экан.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ОДМИГАРЧИЛИК Одмилик, соддалик, камтарлик. *Одмигарчилик қилмоқ.*

ОДОБ [*а.* آداب – «адаб» (ادب) с. кўпл.] *айн.* **адаб.** *Бола – азиз, одоби ундан ҳам азиз.* Мақол. ▬ *Иродаининг уятчанлиги бўшанглик ёки ношудликка эмас, ишва ва одобга асосланган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ОДОБЛИ *айн.* **адабли.** *Умид жуда одобли йигит экан, бир рюмка ҳам ичкилик ичмади.* Мирмуҳсин, Умид.

ОДОБНОМА 1 Одоб-ахлоққа оид фикрлар баён қилинган китоб ёки дарслик.

2 Ўқув-тарбия муассасаларида одоб-ахлоқ ҳақида таълим берувчи ўқув фани, предмети.

ОДОБСИЗ *айн.* **адабсиз.** *Бир-бирига андак одобсиз гап айтишиб, хохолашаётган икки кишидан бири қайрилиб, орқада жадал келаётган Ҳафиза билан Умидга қаради.* Мирмуҳсин, Умид.

ОДОБХОНА Одоб-ахлоқ тарғиб қилинадиган жой. *Чойхона – юксак ахлоқий меъёрлар тарғиб қилинадиган маскан ҳисобланади. Шундай экан, уни ўзига хос одобхона, тарбия ўчоғи дейиш мумкин.* Газетадан.

ОДОШ *с.т.* Одоқ, тамом. *Одош бўлди. Одош қилмоқ.*

ОДОҚ [**оёқ** сўзидан] *с.т.* Охир, пировард, сўнг, ниҳоят. *Шу билан сўзим одоғига етди. У шунча кўп эртак билардики, кети-одоғи бўлмасди. Янграр овоз хушчақчақ, ҳосил мўл.. бўлмас одоқ.* Миртемир, Асарлар.

2 Дарё ва сойлар этаги, қуйилиш ери. *Дарё одоғи.*

ОЁҚ I **1** Одам, ҳайвон, қуш ва умуман жонли организмлар гавдасининг таяниб туриши ва юриши ёки ўрмалаши учун хизмат қиладиган аъзо. *Ўнг оёқ. Чап оёқ. Ипак қуртининг оёқлари. Отнинг орқа ва олдинги оёқлари. Дўст – бошга, душман оёққа боқади.* Мақол. ▬ *Ўнг оёғимни кўтарсам, чап оёғим ерга кириб кетаётгандек бўлаверади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *У [«фаришта»] атлас кўйлак, лозим кийган, бош яланг, оёқ яланг, ёшгина.. бир йигит эди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Шарофат.. ўзига келди-ю, оёқ учида бориб, дарчанинг ёнига чўнқайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Оёқ босмоқ 1) қадам ташламоқ, юрмоқ. *Бемор энди-энди оёқ босяпти. У ўнг оёғини босолмайди.* ▬ *Сақлаб сукут оёқ босди, Ҳамма жимжит, бошлар қуйи.* Ғ. Ғулом, Кўкан; 2) *кўчма* ўйлаб, мулоҳаза билан иш тутмоқ. *Оёғингни билиб бос!;* 3) бирор жойга бормоқ, келмоқ. *Одам оёқ босмаган саҳро. Сизникига оёқ босмаганим бўлсин!* **Оёқ ости** (*ёки* **оёғ-ости**) **бўлмоқ** Топталмоқ, эзилмоқ, босилмоқ, поймол бўлмоқ, босиб-янчиб ташланмоқ. **Оёқ ости** (*ёки* **оёғости**) **қилмоқ** Топтамоқ, эзмоқ, босмоқ, поймол қилмоқ, босиб-янчиб ташламоқ. *У ўз ҳақини таниган, энди ўзини бировга оёқ ости қилдириб қўймайди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оёқ остида** 1) юриш, қадам босиш лозим бўлган жойда, одамларнинг йўли устида. *Болалар, оёқ остида ўралашманглар!;* 2) ҳар қадамда. *Фалокат оёқ остида.* Мақол; 3) *кўчма* поймол бўлган бир ҳолда. *Бу замонда.. ҳақиқат оёқ остида қолиб кетмайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёқ устида** Тикка турган ҳолда. *Мана, ўртоқлар, оёқ устида, иш бошида умумий йиғилиш ҳам ўтказиб олдик.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Оёқда (***ёки* **оёқ устида, оёқ узра) турмоқ** 1) тик(ка) турмоқ. *Оёқда турган ҳолда яна бир оз гаплашиб, сўнг Эшвой жўнаб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабек ҳолсизланиб, оёқ узра турар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) ўзини тутиб (тик ҳолатда) турмоқ. *У, йўлдан чарчаб келганидан, оёқ устида зўрға турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Оёқдан йиқитмоқ (***ёки* **йиқмоқ)** 1) ағанатмоқ, йиқитмоқ; 2) *кўчма* ишдан, издан чиқармоқ, ишни бузмоқ. *Бу ёлғиз Бўтани беобрў қилиш учун эмас, колхозни оёқдан йиқитиш учун қилинган иғво.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёқдан қолмоқ** Юролмайдиган бўлиб қолмоқ, бир жойда ўтириб қолмоқ (қарилик, хасталик, бедармонлик сабабли). *-Бошимга бир мушкул тушди, – деб гап бошлади Бозор, – бугун укам бирдан касал бўлиб, ҳам тилдан, ҳам оёқдан қолди.* С. Айний, Дохунда. **Оёққа босмоқ** 1) юра бошламоқ (ёш бола ёки бемор ҳақида); 2) *кўчма* йўлга, изга тушмоқ, тартибга тушиб, олға босмоқ, ривожлана бошламоқ. *Колхозимиз сал оёққа босгандан кейин, ўзим бориб, сизни олиб келаман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Оёққа бостирмоқ** 1) *айн.* **оёққа турғизмоқ 1**; 2) *кўчма* даволаб юргизиб юбормоқ; 3) *кўчма* йўлга, изга солиб, ривожлантириб юбормоқ. *Тўғонни қуриб, колхозимизни оёққа бостириб олайлик, уйларингга радио тушириб берамиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёққа турмоқ** 1) ўрнидан турмоқ. *Девонбеги.. меҳмонхонага кирганда.. бутун меҳмонхонадагилар оёққа турдилар.* С. Айний, Қуллар; 2) *кўчма* бош кўтармоқ, қўзғалмоқ, қарши чиқмоқ, оёқланмоқ. *Ўша куни бутун шаҳар оёққа турди.* Ж. Шарипов, Хоразм; 3) *кўчма* касалдан соғайиб, юриб кетмоқ. *-Яхшилигингизни асло унутмайман, – деди врачга бемор, – оёққа туриб кетай, сизни хурсанд қиламан.* Газетадан. *Қани энди оёққа туриб кетса-ю, бутун умрини ана шу одамни асраб-авайлаш учун бағишласа.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. 4) *кўчма* йўлга, изга тушмоқ, яхшиланмоқ. *Колхозимиз қанча оёққа турса, шу бизнинг душманга зарбамиз бўлади.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёққа турғизмоқ (***ёки* **қўймоқ)** *қ.* **турғизмоқ.** *Колхозни колхоз қилиб, оёққа турғизгунча, эҳа, қанча қурбон бермадик!* Ҳ. Назир, Узр, отахон. *Абдулла ука, бутун халқни қандай қилиб оёққа тур-*

ғизиш мумкин? Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнги кунлари.

2 Стол, стул, сўри, каравот каби буюмларнинг ерга таяниб турадиган қисми, пояси. *Дадам сувоғи кўчган деворларга, эски шкаф, оёғи маймоқ стулларга бир қараб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Охир, одоқ. *Кўчанинг бошидан оёғигача тош терилган.* ▬ *Подачи поданинг оёқ томонидан чанг ютиб, элан-қаран юриб келаётган сигирни таёғи билан кўрсатиб: «Анави сеники», деди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Отабек киши орқасидан кетди, олдинма-кетин, сўзлашмасдангина кўчанинг оёғига қараб борар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Фасл, давр ва ш.к. нинг охири, тугаётган вақти. *Куз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Оёқда қолдирмоқ Орқада қолдирмоқ. *Мен буларга ўргатармишман.. Мени оёқда қолдириб кетишади бу шумтакалар.* Ҳ. Назир, Олмос.

5 Чет, чекка; қуйи томон; этак. *Экинзорнинг оёғи. Ернинг оёғи.*

6 Уйнинг, хонанинг эшикка яқин ўрни; пойгак; *зид.* **тўр** II. *Асалхон бир тўда қизлар билан оёқроқда ғуж бўлиб турганини кўрган Сорахон ўртага тушиб, йигитларни чақиб олди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда Жуда қариб, мункиллаб қолган. *Отамнинг қилаётган ишига қараб, ёшини суриштириб: Тўқсондан ошибсиз, бир оёғингиз тўрда, бир оёғингиз гўрда, тиниб ўтирмайсизми, — дебди.* Шукрулло, Сайланма. **Енгил (***ёки* **суюқ) оёқ** *ёки* **оёғи енгил** *салб.* Бузуқ, фоҳиша. **Ёлғиз оёқ йўл** *қ.* **ёлғиз. Икки оёғини бир этикка тиқмоқ (***ёки* **суқмоқ)** Айтганининг дарҳол бажарилишини талаб қилмоқ, қистовга олмоқ. *Отам уйлантираман деб, икки оёғини бир этикка суқиб олган, ҳол-жонимга қўймайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Оёқ олиш** 1) юриш, қадам ташлаш. *Умматали хотинининг оёқ олишига қараб юрадиган бўлса, отлиқ келаётган Акбарали ундан олдин Азизхонни топади, унга бирор шикаст етказадигандай бўлиб туюлади.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) юриш-туриш, хатти-ҳаракат. *Унинг оёқ олиши бежо.* **Оёқ остидан чиқмоқ** Тўсатдан пайдо бўлиб қолмоқ. *Душман учун кутилмаган бу фалокат худди оёқ остидан чиққандек бўлди.* Н. Сафаров, Жангчи Шокир. *Ўша катта иш кеча оёқнинг остидан чиқиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оёқ тирамоқ** Ўз айтганида қаттиқ туриб олмоқ, бошқа гапга кўнмаслик. *Болаларнинг бўйи етиб, тўй бошлаймиз деганда, қизи қурмагур бирдан оёғини тираб олди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *У уйлансам, Маҳбубага уйланаман, бўлмаса, фронтга ариза бериб кетаман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оёқ узатмоқ (***ёки* **чўзмоқ)** 1) кўнгли тинчимоқ, ғам-ташвишдан холи бўлмоқ. *Офтоб ойим ҳамон оёқ узатмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *кўчма* ўлмоқ, жон бермоқ. **Оёқ узмоқ** Келиб-кетишни тўхтатмоқ, тамоман келмаслик. *Бўри Пайғамов, Нусратбекнинг бу ердан оёғи узилиб, гаплар бости-бости бўлгунча, панароқда турди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Оёқ учи билан (***ёки* **учида) кўрсатмоқ** Менсимаслик, назарга илмаслик. *Чўри қиз бошимизга чиқиб, бизларни оёқ учи билан кўрсатади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамни оёқ учида кўрсатиб, калака қилади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Оёқ учида** Секин, товуш чиқармай. *Шерали оёқ учида келиб, девор тагида бир ёнбошда ухлашгагина етадиган жойга ўтирди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Оёқ чиқармоқ** Сўроқсиз ҳар тарафга бора берадиган бўлиб қолмоқ, тартибдан чиқа бошламоқ. *Бизнинг хотин тил чиқарган десам, оёқ ҳам чиқарипти.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Оёқ қўймоқ** Бирор ишга киришмоқ. *Унинг розилигини олмасдан туриб, бу ишга оёқ қўйиш мумкин эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Оёғи куйган товуқдек** Безовталик билан, зир югуриб, ўзини ҳар ёққа уриб. *Одамлар оёғи куйган товуқдек пишиллаб югурдилар.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. **Оёғи олти, қўли етти** Шодликдан ўзини ҳеч қаерга сиғдиролмайди, ғоят хурсанд. *Зайнаб оёғи олти, қўли етти бўлгани ҳолда, эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқазиб, ёнига учта пар ёстиқни қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Оёғи осмонда** *с. т.* Қулади, йиқилди, иши чаппа. *Лашкарбоши уста бўлса, душман оёғи осмонда.* Мақол. **Оёғи осмондан бўлди** (*ёки* **келди)** *с.т.* Қулади, йиқилди, иши чаппасига айланди. *Чекинадиган жой йўқ, орқада жаҳаннам, бир қадам чекинсак, оёғимиз осмондан келади.* Ш. Ра-

шидов, Бўрондан кучли. **Оёғи тортмаслик** Боргиси келмаслик. **Оёғига болта урмоқ** *қ.* **болта. Оёғига бош урмоқ (***ёки* **қўймоқ)** *ёки* **оёғига йиқилмоқ** Паноҳ тортиб ёки нажот излаб келмоқ; сажда қилмоқ. **Оёғидан тортмоқ** *с.т.* Жиноятда қатнашган шерикларини айтиб бериб, жавобгарликка торттирмоқ. **Оёғини осмондан келтирмоқ** *с.т.* Қулатмоқ, ағанатмоқ, ўрнидан туширмоқ, ишини чаппасига айлантирмоқ. **Оёғини қўлга олиб** *с.т.* Тез, ғириллаб. *Шартта ўрнимдан туриб, қалпоқчамни олдим-да, оёғимни қўлга олиб, уй томон югурдим.* «Ёшлик». **Осмонга чиқсанг, оёғингдан тортаман, ерга кирсанг — қулоғингдан** Мендан қочиб қутулолмайсан, қаерга қочсанг ҳам, бари бир, тутиб оламан. *[Солиҳбой:] Менинг олтинларим шундай зийрак жосус.. шундай улуғ ҳокимки, ерга кирсанг — қулоғингдан, осмонга чиқсанг, оёғингдан тортиб, менинг қўйнимга олмадай қилиб солиб қўяди!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Оғир оёқ** Ҳомиладор. **Совуқ оёқ** *айн.* **шум оёқ** *қ.* **шум.** *Кенг соҳилингда кезди шум оёқ, Синдирди нечанинг бошида таёқ.* Ғайратий. **Юзига оёқ қўймоқ** (*ёки* **тирамоқ**) Кимсанинг хоҳишига қарши, унинг ҳурмати билан ҳисоблашмай иш қилмоқ. *Турғун акам билан раиснинг юзларига қандай қилиб оёқ қўя оламан.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Сен юзингга оёқ тираб кетган ўша бети қаттиқ хотинингникига бордингми?* С. Аҳмад, Уфқ. **Ўз оёғи билан** Ўз хоҳиши, ихтиёри билан, ўзича. *Дард аригиси келса, табиб ўз оёғи билан келади.* Мақол. **Ўз оёғидан йитмоқ** Ўз ихтиёри, хоҳиши билан йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ.

ОЁҚ II *эск.* **1** Коса, идиш.

2 *айн.* **қадаҳ.** *Аччиғланма, бек йигит.. ширингина таом қилиб бераман, бир-икки оёқ бўза ҳам келтираман.* Ойбек, Навоий. *Новча йигит сузган бўзадан озгина татиб кўриб, биринчи оёқни Султонга узатди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ОЁҚДУМЛИЛАР Қанотсиз ҳашаротларнинг туркуми. *Оёқдумлиларнинг Ўрта Осиё деҳқончилик минтақаларида 50 га яқин тури маълум.* «ЎзМЭ».

ОЁҚЛАБ: икки (*ёки* **қўш) оёқлаб** Иккала оёқ билан. *Икки оёқлаб тепмоқ* (ҳайвон ҳақида). **Тўрт оёқлаб** Икки қўл ва оёқда (эмакламоқ). *Тўрақул тошбақадай тўрт оёқлаб, эмаклаб кетди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Набираси йигитнинг елкасига эски тўнни тўшаб, миниб олди-да, энди тўрт оёқлаб чопасиз, дея талаб қилди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЁҚЛАМОҚ 1 Охирига етиб қолмоқ, охирламоқ. *Куз оёқлаб қолиб, ҳолдан тойгану, лекин ўз ўрнини ҳали қишга бўшатиб бермаган эди.* С. Нуров, Нарвон. *Кўклам оёқлаганда келиб, [ўрик] еб кетинглар.* Газетадан.

2 *кам қўлл.* Тарқалмоқ, овоза бўлмоқ, «юрмоқ». *Эл орасида уни Тошкентга олиб кетиб отиб ўлдиришгани, кейин жарликка улоқтиришгани ҳақидаги гаплар кўп оёқлабди.* Газетадан.

3 *шв.* Йўлга кирмоқ, юра бошламоқ (гўдак ҳақида). *Қишлоқ боласи оёқлабдики, шу тепага тирмашади, шу тепада ўйнаб ўсади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ОЁҚЛАНМОҚ Бош кўтармоқ, қўзғалмоқ, қарши чиқмоқ. [*Мансур Меҳрига:*] *Камбағал батраклар биз томонда, ҳозир ҳамма уларга [душманга] қарши оёқланган.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ОЁҚЛАНТИРМОҚ Бош кўтаришга даъват этмоқ, қарши қўймоқ. *Сиз марғилонлик оғайниларни қипчоқларга қарши оёқлантирмоқчи бўласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЁҚЛИ 1 Оёғи бор. *Тўрт оёқли ҳайвон. Узун оёқли чигиртка.* ▬ *[Кампир] «Мишмиш» ларни ҳар вақт эзмалик билан сўзлар эди: «..Фалончининг келини тўрт оёқли бола туғибди!»* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Пояли, тагида кўтариб турадиган қисми бор. *Икки оёқли скамейка. Уч оёқли стул.* ▬ *Уста кулол Ҳамроқулнинг аҳволини кўриб, дарров боққа олиб кирди ва қайрағоч остидаги чўян оёқли зангор эшакка ўтқизиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

Оғир оёқли *айн.* **оғир оёқ** *қ.* **оёқ** I.

ОЁҚСИЗ Оёғи йўқ, оёғидан маҳрум бўлган. *Уни бир умид урушдан қўлсиз, оёқсиз бўлиб қайтган ҳамқишлоқларини кўргани етаклаб борди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОЁҚЯЛАНГ 1 Оёқ кийимсиз, оёғига ҳеч нарса киймаган. *Нигина кимсасиз даштда ортидаги дарё томон оёқяланг юриб кетди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Бир тўда болалар чуғурлашиб, боғдан чиқиб келишди. Оёқяланг, дўмбоқ, офтобда тобланган.* С. Нуров, Нарвон.

2 *кўчма* Камбағал, қашшоқ. *Toштемир ҳам кейинги тоифа оёқяланглардан бўлиб,*

Мирзачўлга борувчилар тўпига қўшилди. Ҳ. Ғулом, Феруза. *-Ҳим, ана шунақа оёқялангдан қўрқ-да, — бошини лиқиллатди Хўжаёр.* А. Нарзиқулов, Ҳаёт ёлқини.

ОЁҚ-ҚЎЛ 1 Оёқ ва қўл(лар). *Оёқ-қўлини боғламоқ. Оёқ-қўли чаққон одам.* ▬ *Ойша холанинг оёқ-қўли бўшашиб, стулга ўтириб қолди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 *кўчма с.т.* Кўмакчи, дастёр. *Ўғлимиз — бизнинг оёқ-қўлимиз.*

ОЁҚ-ҚЎЛЛИ *с.т.* Чаққон, эпчил, уддабурон. *Моҳира опа! Сиз Насиба холанинг қизини кўрганмисиз? Оёқ-қўлли, пазанда, қизмисан — қиз-да!* «Ёшлик».

ОЖИЗ [*а.* عاجز — нимжон, бўшашган, кучсиз, заиф; нўноқ, ноқобил; кўрмайдиган, кўр] **1** Жисмоний жиҳатдан кучсиз; заиф, бақувват, нотавон. *Ожиз кампир.* ▬ *Шундай кезларда Сирож қандайдир нотавон, ожиз бир кишига айланади-да, бошини ғамгин эгиб, соатлаб жойидан қимирламай қоларди.* С. Зуннунова, Олов. *Гулнор эса, оёқда туришга ожиз, тинкаси қуриган бир хаста каби, умидсизлик билан яна секингина ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Бирор иш қилиш учун ҳеч қандай чора-илож қўлидан келмайдиган; иложсиз, ноилож. *Исфандиёр деб аталмиш ёвуз ва манфур махлуқ қаршисида ҳамма ожиз эканлигини ўйлаб, баттар эзилди.* С. Сиёев, Аваз. *Мадаминхўжа унинг кўзларидаги илтижони тушунди, лекин.. хурофот, бидъат олдида ожиз эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Биров бировга мурувват қилишдан ожиз бўлган ўша замонда Ҳамро ота ва унинг оиласига ўхшаш инсофли одамлар ҳам бор эди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

3 *кўчма* Қурби, кучи етмайдиган, кучсиз. *Тошкентимиз — бағри кенг, гўзал шаҳар. Унинг таърифига унча-мунча қалам ожиздир.* Газетадан.

4 Бўш, кучсиз, паст. *Йўл четида бўғзига пичоқ тортилган бир буқача жон таслим қилаётган бўлса керак, орқа оёғини ҳар замон, бир ожиз силкитиб қўярди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *У [Қумри] ярани боғлаётганда, Ботирали ожиз товуш билан бир инградию, яна жимиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

5 Хира, кучсиз; ёрқин эмас. *Фонарнинг хира шишасидан атрофга ожизгина қизғиш шуъла ёйилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

6 Кўриш қобилиятини қисман ёки батамом йўқотган; кўр. *Кўзи ожиз одам.* ▬ *Майна Абдуваҳобнинг ёшланган ожиз чап кўзига, мулойим тикилиб турган ўнг кўзига назар ташлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Баъзан тушлик овқат вақти, кўпинча ишдан кейин, тўртта-бешта кўзи ожиз эркак-аёллар йиғилишиб, ўзаро гурунглашиб қолишарди.* Шукрулло, Сайланма.

ОЖИЗА [*а.* عاجزه] **1** Ожиз аёл.

2 *эск. с. т.* Қиз фарзанд, қиз. *Мирзакаримбой қичқирди: -Мулла Абдишукур, эртага ожизамизга тўй келади, марҳамат қилинг.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЖИЗЛАНМОҚ Ожиз бўлиб қолмоқ, ожизлик қилмоқ. *Касалдан кейин ожизланиб қолди. Кўзлари ожизланиб қолди.*

ОЖИЗЛИК Жисмоний жиҳатдан кучсизлик, заифлик; бирор иш қўлидан келмаслик, нотавонлик. *Унинг гўзаллиги таърифидан қаламим ожизлик қилади.* ▬ *Яхшибоев дўстларининг қўрқоқлигидан завқланди, ёйилиб кулди — уларнинг ожизлигини ўзича тушунган ва кечирган бўлди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Қайнатанинг пўписаси куёвнинг шахтини қайтаришга ожизлик қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОЖИЗ-НОТАВОН, ожизу нотавон Ожиз ва нотавон, жуда ҳам ожиз. *[Солиҳ махдум:] Жанобларига ожизона узр.. Аввало камина ожиз-нотавон, афтодаҳол, пушти паноҳ жиҳатларидан содир бўлган улуғ марҳаматга сазовор ва лойиқ эмасдирман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ОЖИЗОНА 1 *рвш.* Ожизларча, заиф ва нотавонларча. *[Кампир] Оғир юк остида эзилган каби, узун бир «уҳ» тортиб, ожизона, шикоят оҳанги билан ўз-ўзига деди: «Эй, дунёйи бевафо!»* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *сфт.* Итоаткорона, ҳақирона ёлвориш билан қилинган, ўтинчли. *Ожизона узр.* ▬ *Ўзимнинг содиқона бу хизматим эвазига жанобларидан ожизона ўтинчим шулки, бу сирни сизларга билдирувчи мен бўлганлигимни ўзларидан бошқа кимса билмасин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЗ 1 Сон ёки миқдор жиҳатдан унча кўп бўлмаган; кам. *Оз вақт. Ҳовузда сув оз. Гап кўп, кўмир оз.* Мақол. *Оз емак — соз емак.* Мақол. ▬ *Яқинда табибларга кўрсатган эдим, қонингиз оз, қимиз ичинг, деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Етарли эмас, кифоя қилмайдиган, қаноатланарли бўлмаган; кам. *Бир йигитга*

етмиш ҳунар оз. Мақол. *Мақтанма, ғоз, ҳунаринг оз.* Мақол. *Кўп бўлса — кетар, оз бўлса — етар.* Мақол. ▬ *Икковимиз ўтказадиган олтин умрнинг олтин минутларини ҳар қанча олтин соат санаса оз!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Электр қуввати шу қадар оз эдики, насос моторларни айлантиришга ҳам ожизлик қилиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 *рвш.* Баъзи-баъзида; гоҳо-гоҳо, камдан-кам. *Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қизлик вақтида Нури уларнинг кулбасига жуда оз чиқар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бир оз Озгина, андак. *Бир оз тузи кам бўлибди.* ▬ *Робия хола бир оз букчайганича, майда қадамлар билан шипиллаб, супага йўл бошлади.* С. Зуннунова, Олов. **Кўпи кетиб, ози қолди** Ярмидан кўпи кетиб, ундан озроқ миқдори қолди (қийинчилик кунлар, оғир иш ва ш.к. ҳақида). -*Кўпи кетиб, ози қолди, — овутди уни Усмонжон, — ҳеч нарса эмас, бу қийинчиликлар ўтиб кетади.* С. Зуннунова, Олов. **Оз бўлмаса** Нақ бўлмаса; сал бўлмаса; нақ, худди. -*Оз бўлмаса, ҳаром ўлар экан, жонивор, — дейди у [йўловчи], бир тутам яшил беда билан пичоғини артаётиб.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Оз қолди** Сал қолди. *Ҳар сафар момақалдироқ гулдураганда, «ойи», деб додлаб юборишига оз қоларди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Боя синфда болалардан бири ҳимоя тилаб: «Ҳурматли ўқитувчим!» деб юборишга оз қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Энг ози** Кам деганда, энг ками, ақалли. *Уятни билсангиз, энг ози шунинг андишаси керак эмасми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЗАЙМОҚ 1 Миқдор, ҳажм жиҳатидан камаймоқ, камиб қолмоқ. *Боғда мевалар озайган вақти. Ариқнинг суви озайди.* ▬ *Суви озайиб қолган самоварнинг жиғиллаши, чой учун қайта дастурхон ёзаётган Рузвоннинг гилам устидаги шип-шип юришигина жимликни бузар эди.* С. Зуннунова, Олов. *Кетиб-кетиб озайиб қолган кишилар гуруллаб, ичкари киради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Кам учрайдиган бўлиб қолмоқ; камаймоқ. *Шундан бери фикри сал ўзгарди чоғи, гарчи аввалгидай «девонайи Машраб» дейишини қўймаса ҳам, камситишлари озайди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

3 Пасаймоқ, тушмоқ. *Кечга яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди, иссиғи озайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЗАР *кт. айн.* **озарбайжон.** *Мен Ереван кўчасида озар қизин учратдим, Умрим бўйи илк мартаба дуч келдим мен рўёга.* А. Орипов, Йиллар армони. *Тарихи, тили, маданияти халқимизга жуда яқин бўлган озарлар бизни яхши кутиб олишди.* Газетадан.

ОЗАРБАЙЖОН *қ.* **озарбайжонликлар.** *Озарбайжон тили. Озарбайжон аёл.* ▬ *Қиз кўринишдан озарбайжон бўлса керак, русча гапирар, гап-сўзларидан анчагина саводли эканлиги кўриниб турар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ОЗАРБАЙЖОНЛИКЛАР Озарбайжонда яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи халқ, Озарбайжоннинг туб аҳолиси.

ОЗАРИЙ Озарларга, Озарбайжонга тегишли, оид. *Озарий мусиқа. Турғунали, ҳар галгидай, пенсия олганида шаҳардан келтирадиган совғасини — бу гал шапалоқдай-шапалоқдай катта қизил гулли озарий рўмол эди — елкасига ёпиб, белидан қучди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОЗГИНА 1 Миқдор жиҳатидан жуда ҳам оз; қиттак. *Озгина сув беринг.* ▬ *Атайин сизни ичинг деб суюқ ош қилдим. Озгина бўлса ҳам ичсангиз, дармон бўлади.* С. Зуннунова, Олов.

2 Сал, андак, жиндай. *Озгина ухлаб олай.* ▬ *Сизда озгина одамгарчилик бўлганда, бир муштипарнинг дилини вайрон қилмасдингиз.* Т. Ашуров, Оқ от. *Ҳовлининг кунботар томонида, харобаликдан озгина берида бўлган бояги йўлакка тираб солинган икки даричалик бир уй [бор эди].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЗДИР-КЎПДИР *айн.* **озми-кўпми.**

ОЗДИРМОҚ I **Озмоқ** I фл. орт. н. *Қўйларни оздириб қўйибсиз.*

ОЗДИРМОҚ II **Озмоқ** II фл. орт. н. *Йўлдан оздирмоқ.* ▬ *Ҳафиза, кўзингизни очинг! У* [*Умид*] *қаллоб сизни йўлдан оздирмасин тағин!* Мирмуҳсин, Умид.

ОЗИБ-ЁЗИБ *рвш. с.т.* Зўрға имкон ёки вақт топиб, замоннинг зайли билан. *Озиб-ёзиб бир кеннойисини кўриб келмоқчи эди, бу ниятидан ҳам қайтди.* Ў. Усмонов, Қисмат. *[Саломат:] Озиб-ёзиб бир томошага борадиган бўлганингизда, иш-пиши чиқиб қолибдими-а?!* И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор?

ОЗИБ-ТЎЗМОҚ Озиб, касалманд ҳолга келмоқ, илгариги ҳолатини йўқотмоқ. *Бултур қишнинг бошлари бўлса керак, куч-қувватини аллақандай кўринмас жонзот сўриб олгандек, бирдан озиб-тўзиб, тирсиллаган юзи, оёқ-қўлининг териси сўлишиб, ранги олинди, бурунги ғайратидан асар ҳам қолмади.* «Ёшлик». *Дўсталининг кўзига от бир зумда озиб-тўзиб кетгандек кўринди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОЗИҚ 1 Овқат бўладиган маҳсулот, овқатли дон-дун; емиш. *Озиқ маҳсулоти. Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик озиқ ол!* Мақол. *Ёзнинг ёзиғи – қишнинг озиғи.* Мақол. ▬ *Йигитлардан бири дастурхон ёзиб, йўлга олган озиқларини ўртага қўйди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Нима, озиқ биттами, қозон осмадингиз!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳайвонлар овқати, ем-хашак. *Ҳайвонлар учун қишга озиқ тайёрламоқ. Қуртларга озиқ бермоқ.*

3 Ўсимликлар ўсиш жараёнида ердан оладиган моддалар. *Ўсимликларга қўшимча озиқ бериш. Илдиз озиқ берса, новда кўкарар.* Мақол.

Жон озиғи *ёки* **жонга озиқ** Роҳат. *Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи.* Мақол. ▬ *Майин эсган насими, обу ҳавоси, Бўлур жонга озиқ завқу сафоси.* Ҳабибий. **Маънавий** (*ёки* **руҳий**) **озиқ** Кишига маънавий завқ бағишлайдиган, унинг маънавий жиҳатдан ўсишига, такомиллашувига хизмат қиладиган восита. *Гўзал адабиёт – руҳий озиқ.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Озиқ тиш** Киши ва ҳайвонларнинг овқат чайнаш, эзиш учун хизмат қиладиган тиши; жағ тишлари.

ОЗИҚА *айн.* **озиқ.** *Арабларда хурмо энг муҳим озиқалардан бири ҳисобланади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ОЗИҚЛАНМОҚ 1 Озиқ, овқат еб олмоқ, овқатланмоқ. *Отлар озиқланди.* ▬ *Юлғич ва ўғриларнинг кун кўриш усули битта: ўзгалар ҳақидан озиқланади.* «Ёшлик».

2 Ўсиш жараёнида озиқ олмоқ (ўсимликлар ҳақида).

3 *кўчма* Илҳом олмоқ, руҳланмоқ. *Ҳозирги медицина халқ табобати илдизларидан озиқланиши керак.* «Ёшлик». *Шоирнинг юраги туйғулардан озиқланади.* Газетадан.

ОЗИҚЛИ 1 Озиғи, озиқ-овқати бор, озиқ-овқат билан таъмин этилган. *Озиқли от ҳоримас, қариндошлик қаримас.* Мақол.

2 Таркибида озиқ моддалари бор, озиқ бўладиган. *Озиқли моддалар.*

ОЗИҚЛИК Озиқ бўладиган, озиқланиш учун яроқли; емишли. *Озиқлик экинлар.*

ОЗИҚ-ОВҚАТ Турли озиқ ва овқатлар, емишлар. *Озиқ-овқат ҳозирлаш. Озиқ-овқат магазини. Озиқ-овқат маҳсулотлари. Озиқ-овқат саноати корхоналари.* ▬ *Пичан ўришга ажратилган одамларни тўплаб, керак-яроғини, бир ҳафталик озиқ-овқатни олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Озиқ-овқат магазинларига бориб келган Холиса белига пешгир тутиб, эри ёқтирадиган таом тайёрлашга киришди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОЗМИ-КЎПМИ Маълум миқдорда; маълум даражада. *Озми-кўпми, ёрдами тегди.* ▬ *Мажлис қизиб кетди. Қатнашувчиларнинг кўпчилиги, озми-кўпми, яхшими-ёмонми, ишқилиб, гапирди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Муҳаббат бу пулга ўхшаган нарса, пул шоҳда ҳам, гадода ҳам озми-кўпми бўлади.* Шукрулло, Сайланма.

ОЗ-МОЗ *рвш.* **1** Озгина, жиндай, унчамунча. *Оз-моз ишлаб турибмиз. Оз-моз мурч сепмоқ.* ▬ *Ниҳоят, Барно соғайиб, касалхонадан чиқди. Оз-моз оқсоқланиб бўлса-да, мактабга қатнай бошалди.* «Ёшлик».

2 Бир оз, сал-пал. *Бир оздан кейин Ботирали ҳам оз-моз гандираклаб чиқди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Мана энди оз-моз тилим чиқди, гапирадиган бўлдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОЗМОҚ I Эти қочиб, озғин тортмоқ; озғинланмоқ, ориқламоқ. *Бир терининг ичида қўй неча бор семириб, неча бор озар.* Мақол. *Озган от арғимоқ бўлмас.* Мақол. ▬ *Умиднинг ёқаси титилиб кетган ўша эски костюми-ю, шимининг таги йиртилиб, ямоқ тушганига, озиб, чаккалари туртиб чиққанига қараб, ҳайрон бўлган бўлса керак.* Мирмуҳсин, Умид. *Бу орада у озиб, шундоғам сўлғин юзлари баттар заъфарон бўлиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЗМОҚ II Тўғри йўлдан тоймоқ, адашмоқ. *Кенгаш қилган эл озмас, кенг бичилган тўн тўзмас.* Мақол. *Эгри – озади, тўғри – ўзади.* Мақол. ▬ *Исловотхоналари.. тараққий топган мамлакатларда адашган қизлар, озган жувонлар кўпинча Фуод афанди тутган йўллар билан қўлга туширилар эди..* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Ақлдан (*ёки* **эсдан) озмоқ** *қ.* **ақл.** *Ширмонхон қимир этмай ўтирар, унинг ифодасиз кўзларига қараб Маҳмуд, ақлдан озиб қолмадими, деб қўрқиб кетди.* С. Зуннунова, Олов. *Яна қайтиб олдинга ўгирилганимда, ёнимдаги аёлнинг йўқлигини кўриб, ақлдан озаёздим ва телбалардек гандираклаб, ҳовли юзида у ёқдан-бу ёққа югурганча, уни излай бошладим.* «Ёшлик». **Йўлдан озмоқ** 1) йўлини йўқотиб қўймоқ, бошқа йўлга кириб кетмоқ, адашмоқ; 2) *кўчма* нотўғри йўлга кирмоқ, нотўғри, сохта фикрга эргашмоқ, адашмоқ. *Мен бола-чақали одам, янглишиб, йўлдан озиб, сизга уйланган эканман, никоҳимдан чиқдингиз, мени кутманг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жар чақирилиб, «Худо йўлидан озган осий Аваз»га юз дарра буюрдилар. Аваз сураткашникидан жилмай, жон ҳовучлаб ётаверди.* С. Сиёев, Аваз. **Кўнгли (***ёки* **юраги) озмоқ** Кўнгли айнимоқ, бехуд, беҳузур бўлмоқ, ўзини нохуш сезмоқ. *Юрагим озиб кетди.* ▬ *Отамурод ўзини қўлга олмоқчи, яна олға интилмоқчи бўларди, лекин борган сари кўнгли озиб, кўзи тиниб кетарди.* М. Мансуров, Ёмби.

ОЗМУНЧА *рвш. (кўпинча бўлишсиз фл. билан)* Оз эмас, анча-мунча, кўпгина. *Тошкент билан Қўқон ораси озмунча йўлми?* ▬ *Бошқалар қилган ишни нега мен қилолмайман, бекор ўтиргандан, бекор ишла, деб ҳаракат қилиб, ўқишни ҳам битириб, ишни ҳам уддалаб кетганлар озмунчами?* Шукрулло, Сайланма. *Ўтган йилги қиш озмунча боғларни қуритдими?* С. Зуннунова, Олов.

ОЗОД [*ф.* آزاد – эркин, ҳур; асоратдан қутулган; ғам-ташвишдан холи; олийжаноб; саховатли] **1** Ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқи ўз қўлида бўлган, озодликка эришган; эркин, ҳур. *Озод ўлка. Озод мамлакат. Озод меҳнат.* ▬ *Тоза ҳаво, тоза сув, Озод Ватан сеники.* Ғ. Ғулом. *Бу аёллар тенг ҳуқуқли, эркин, озод, ҳур бир мамлакатда ўсмоқдалар.* «Саодат».

2 Қулликдан озод этилган, эркинликка чиққан, асоратдан қутулган. *Орёл, Белгород шаҳарлари душмандан озод қилинганда, Москвада биринчи марта берилган салют одатга айланди.* С. Зуннунова, Олов.

3 Ўз ҳолига, майлига қўйилган, бўшатиб юборилган, ҳеч қандай мажбурият билан боғланмаган; бўш. *Эшоннинг заҳарханда таънасини Элмурод ерга тикилганича, индамай тинглади. Бу гап унга: «Сен озодсан, кета бер!» бўлиб эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мажлисга қатнашишдан ўзларини озод ҳисоблаган кишилар бу мажлис ва унинг белгиланган вақтидан олдин бошланганига ҳам ўзларича маъно беришди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Холи. *Ташвишдан озод кишилар.* ▬ *Қаламни ҳам бу ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *рвш. взф.* Эркинлик билан, бемалол, даст. *Йигит.. билагимдан озод кўтариб, тандирдан суғуриб олди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ғайбаров, қўлида маъбуда қизни [ҳайкални] ердан озод кўтарди, маҳкам бағрига босдида, юзу кўзидан ўпди.* «Ёшлик».

6 *рвш. взф.* Тик, тикка, кўкракни кериб. *Ингичка, узун оёқларини чаққон босиб, чиройли бошини озод кўтариб келаётган қашқа саман бирдан пахса девор томонга бурилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Озод турмоқ Дадил ўриндан турмоқ, шахдам кўтарилмоқ. *Устидан алак чопонини ирғитиб, озод туриб кетган йигит.. тузоққа тушган беданадек питирлаб қолди.* Ҳ. Расул, Адолат.

7 *ким.* Қўшилмаган, бирикмаган ҳолдаги. *Озод кислород.*

Озод қилмоқ Қутқармоқ, халос қилмоқ. *Ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилиши кишиларни бир қатор оғир юмушлардан маълум даржада озод қилади.* «Фан ва турмуш». **Озод қўймоқ** Бўшатмоқ, жавоб бермоқ (ўқишдан). *Нигор ойим ҳозиргина [ўқувчи] қизларини озод қўйиб, кўкрак боласини бағрига олган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

8 Озод (эркаклар исми).

ОЗОДА [*ф.* آزاده – эркин, ҳур; ғам-ташвишдан ҳоли; саховатли] **1** Ифлосланмаган, кир тегмаган, кирланмаган; тоза, покиза. *[Хотинлар] Эски, лекин озодагина кўрпа ёпилган сандал атрофига тиқилишиб, секин-секин суҳбатлашишарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Супуриб-сидирилган, тоза. *Уй махсус меҳмонлар кутиладигандек озода ва саришта.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Яшил уфққа туташган тўппа-тўғри ва ниҳоятда озода тош йўл.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Ўзини ва ўзига қарашли ҳамма нарсани тоза тутадиган, тозаликка риоя қиладиган;

саранжом-саришта. *Озода хотин. Соғ юрай десанг, озода бўл.* Мақол.

4 Озода (хотин-қизлар исми).

ОЗОДАГАРЧИЛИК Озодаликка риоя этиш, ҳар нарсани ва ўзини озода, пок тутиш.

ОЗОДАЛИК Тоза, покиза, саранжом-саришта бўлиш; тозалик, покизалик. *Уйдаги тартиб ва озодалик унинг баҳрини очиб юборган эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқ.

ОЗОДЛИК 1 Эркинлик, ҳурлик; ҳеч қандай мажбурият билан боғланмаганлик. *Миллий озодлик.* ▬ *Бахт озодлик ва фаровонликдир.* Газетадан. *..Чунки озодликни ҳамма ҳам чапак чалиб, хурсандчилик билан кутиб олмаслиги табиий.* Газетадан. *Аҳмад Ҳусайннинг бутун дили, фикри, эътиқодича, ҳақиқат озодлик демакдир.* Ойбек, Нур қидириб.

Озодликдан маҳрум қилиш Жиноят содир этган шахсни махсус ажратилган тарбиявий муассасаларда мажбурий сақлашдан иборат жазо тури. **Озодликка чиқармоқ** Асоратдан, қулликдан чиқармоқ, эркинликка эриштирмоқ, эрк бермоқ. **Озодликка чиқмоқ** Асоратдан, қулликдан чиқмоқ қутулмоқ; эркинликка эришмоқ; қамоқдан чиқмоқ, озод бўлмоқ. *Баҳромбекнинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Олти ярим йил! Озодликка чиқсам ҳам, шунча йил умр кўрармиканман? Бу ерда қолсам, қаерларда хор-зор бўлади жасадим.* «Ёшлик».

2 *тар.* Эски мактабда ҳар пайшанба куни домлага ёки отинбибига ўқувчилар томонидан келтириладиган ҳақ; пайшанбалик (пул, нон, дон каби). *-Домлагаям озодлик опкелдингми? — деди бола дам дастурхонга, дам тугунга тикилиб.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Бувингга бориб айт! Агар озодлик келтирмасанг, янги сабоққа тушмайсан! — деди домла.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

ОЗОКЕРИТ [*юн.* ozo — ҳид таратаман + keros — мум] Тоғ муми — битумлар гуруҳига мансуб минерал (мой, крем ва ш.к. тайёрлашда ишлатилади. *Фарғона воҳасида озокерит конлари мавжуд.* Газетадан. *Эритилган шифобахш озокерит иссиқликни узоқ вақт сақлаб туради ва уни аста-секин баданга ўтказади. У оғриқ қолдириш хусусиятига эга.* «ЎзМЭ».

ОЗОН [*юн.* ozon — ҳид таратувчи] *ким.* Кислороднинг бир кўриниши, ўзига хос ҳиди бўлган газ (зўр оксидланиш ва сувни зарарсизлантириш, мой ва қоғозни оқартириш хусусиятига эга.) *Агар стратосферада озон қатлами бўлмаса, юқори энергияга эга бўлган қисқа тўлқинли фотонлар Ер сатҳига етиб қолар, ундаги ўсимлик ва ҳайвонлар бундай юқори энергияли нурга бардош беролмаган бўлар эди.* «ЎзМЭ».

ОЗОНОСФЕРА [озон + *юн.* sphaira — шар] Ер сиртидан 10—50 км баландликда жойлашган озонли атмосфера қатлами. *Озоносфера маълумотлари Қуёш радиациясининг Ер атмосферасида ютилиш табиатини ўрганишда жуда муҳим.* «ЎзМЭ».

ОЗОР [*ф.* آزار — ранж-алам, хафалик; ҳақорат, таҳқир; ғам-ғусса; хижолат бўлиш] Кимсага етган, етказилган жисмоний ёки руҳий азоб, жабр. *Зумрад эрининг бугунги озорини ўйлаб, кўнгли оғриди ва жаҳл билан тескари ўгирилиб, тўшакни бошига тортди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Умурзоқ ота кўпдан буён юрак касалидан озор чекарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Озор бермоқ (*ёки* **етказмоқ**) Азоб бермоқ, қийнамоқ ёки ранжитмоқ. *Шаффоф уни ҳақорат қилмаса ҳам, кишининг нафсониятига озор етказадиган гапларни айтиб чиқиб кетди.* «Ёшлик».

ОЗОРИЖОН [*ф.* آزارجان — жоннинг озори, жон ачитувчи] Жонга озор берувчи, қийновчи, ранжитувчи.

ОЗОРЛАНМОҚ Ранжимоқ, хафа бўлмоқ. *Замира ортиқ кулмай қўйди. -Бас энди, — деди озорланиб.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. *Гапнинг оҳангидан чолнинг дили озорланганини сезиб, аста ғингшийди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ОЗСИНМОҚ Оз, етарли эмас деб билмоқ; кифоя эмас деб топмоқ; кўнгли тўлмаслик. *«Ёпирай, озсиндиёв, қурғур» деб қўрқдим. -Ариза ўринласа, яна хизмат қилармиз, мирзабоши.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *[Алпомиш ўғлига қараб:] Ўз юртингда, ота-энанг бағрида юришингни озсинма.* «Ёдгор».

ОЗУРДА [*ф.* آزرده — хафа бўлган, ранжиган; хўрланган; қайғуга ботган, маъюс] *кт.* Озор кўрган, ранжиган. *Озурда бўлмоқ. Озурда қилмоқ (этмоқ).* ▬ *-Сизнинг Оқжарга бадарға бўлганингизни қўшнилардан эшитиб, қаттиқ озурда бўпти, кўп фарёд*

чекибди! — деди Мавлавий Йўлдош Муқимийга. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Бу шамолнинг тортқилашидан озурда баргнинг шитирлашими ё зарғалдоқ қанотларидан чиққан сасми, билмадим.* «Ёшлик».

ОЗУҚА *айн.* **озиқ.** *Ғўза шоналаш ва гуллаш даврида озуқани кўп талаб қилади.* ▬ *Дон маҳсулотлари орасида гуруч Осиё халқларининг асосий озуқаси ҳисобланади, бинобарин, дунё аҳолисининг тенг ярми гуруч билан тирикчилик қилади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандачилик.

Озуқа рациони Молларга маълум вақтда (кун, ой, мавсумда) бериладиган ем-хашак. *Чорва молларини тўйимли озуқа билан боқиш, озуқа рационига риоя қилиш маҳсулдорликни оширишнинг муҳим омилидир.* Газетадан.

ОЗУҚАБОП Озуқа учун қулай, мос, яроқли. *Булар — ҳам доривор моддаларга бой, ҳам озуқабоп ўсимликлардир.* «Фан ва турмуш».

ОЗЧИЛИК Кишилар мажмуининг оз қисми, белгиланганидан ёки мўлжаллanганидан кам бўлаги. *Озчиликни ташкил этувчи миллатлар.* ▬ *-Вақт ўтди, биз озчиликмиз, — деди ҳазрат тушкун овоз билан.* К. Яшин, Ҳамза.

ОЗҒИН I Эти қочган, этдан тушган; ориқ. *Озғин мол. Озғин сигир.* ▬ *Нега Зайнаб семиз-у, Кумуш озғин?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бола озғин юзчасини тириштириб.. чўзилиб борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қотма, камгўшт; чувак, ингичка. *Мадаминхўжа эса бошини солинтириб, мумдек эриб ўтиради. Фақат озғин гавдаси ашулага монанд чайқалади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Дўстларим, — деди у, озғин бармоқларини қайчи қилиб ўйнар экан.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОЗҒИН II *кам қўлл.* Йўлдан озган, тўғри йўлдан чиқиб кетган; айниган; бузуқ. *Гоҳи маҳаллар юраги сиқилиб, тоғни ҳам ташлаб кетгиси келар, лекин шундай фикрга йўл қўймаслик учун ўзини айблаб, дарҳол бу озғин фикрини ўзидан қувлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОЗҒИНЛАНМОҚ Ориқламоқ, озмоқ. *[Кумушнинг] Бурунги тўлалиги кетиб, озғинланган ва лекин бу озғинлик унинг ҳуснига камчилик бермай, билъакс юқорилатган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЗҒИНЛИК Ориқлик, қотмалик; озғин бўлишлик. *Озғинлик раис одамга ярашмайди, десам, озғинлик соғломликнинг биринчи белгиси, дейди.* «Ёшлик».

ОЗҒИРМОҚ Йўлдан оздирмоқ, адаштирмоқ, йўлдан урмоқ. *Бизларга пирлик қиласан, Тағин келиб энди мунча Шайтондай бўб озғирасан!* Фозил шоир.

ОИД [*а.* عائد — қайтувчи, қайтиб келувчи] *кўм.* Тегишли, тааллуқли, доир. *Ишқ-муҳаббатга оид шеърлар. Тарихга оид китоблар.* ▬ *Орада ўтган шу икки ой ичида Аҳмаджон.. ҳарбий техникага оид кўп нарсалар ўрганди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ОИЛА [*а.* عائله — бола-чақа, хонадон; уруғ, авлод] **1** Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон. *Аҳил оила. Санъаткорлар оиласи. Оила бошлиғи.* ▬ *[Эшвой] Камбағал бўлишига қарамай, Йўлчининг оиласига.. ёрдам кўрсатар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз иши, юмуши билан машғул.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бировга қизиқиш, оила қуриш.. Бу гаплар Замирани чўчитар, Очил уни ёмон йўлга бошлаётгандай туюларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Оилани бузмоқ Эр-хотинликка барҳам бермоқ, ажралмоқ. *Жаҳл устида уришиб қолган бўлсангиз, эҳтимол, ярашиб қоларсиз. Қайнатангиз, қайнанангиз келиб қолишар? Оилангизни бузманг!* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Бир мақсад, маслак билан бирлашган кўп кишилар, халқлар, мамлакатлар. *Ўзбекистонда турли миллат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқдалар.* Газетадан. *-Бутун аскарлар бир оила, аҳил, меҳрибон ва қалин дўстмиз, — деди Бектемир.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикасида тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, келиб чиқиш жиҳатидан ҳам ўзаро яқин бир неча уруғни ўз ичига олган гуруҳ. *Дуккаклилар оиласи. Ўрдактумшуқлилар оиласи.* ▬ *Турп бутагулдошлар оиласига мансуб икки йиллик, илдизмевали кўкат ўсимлиги дейишади ботаниклар.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

4 Қардош тиллар гуруҳи. *Олтой тиллар оиласи. Сом-ҳом тиллари оиласи.*

5 *с.т.* Рафиқа, хотин. *Оилам мактабда ўқитувчи.*

ОИЛАВИЙ Оилага мансуб, оилага тегишли; оилада бўладиган. *Оилавий аҳволингиз қандай? Оилавий ўтириш.* ■ *Саидийни кўрганида, ўзини ҳатто ўз турмушидан, оилавий ҳаётидан жуда мамнун қилиб кўрсатишга тиришар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ОИЛАЛИ Оиласи, бола-чақаси ва рўзғори бор; уйланган (хотин олган ёки эрга теккан). *Самовар — келди-кетди жой. Бу ерда сиздек оилали одамга бир кун эмас, бир соат ҳам туриш малол келади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу чоққача, балки оилали бўлардилар, балки она бўларди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОИЛАПАРВАР Ўз оиласини, бола-чақасини севувчи, у ҳақда доимо ғамхўрлик қилувчи. *У киши ниҳоятда оилапарвар, кўнгли кенг, ҳеч бир ишдан эринмайдиган инсон.*. Газетадан.

ОИЛАСИЗ Хотин олмаган ёки эрга тегмаган; ёлғиз. *У ўзини оиласиз яшашга кўниктирмоқчи бўларди, кунини хаёл суриш билан ўтказарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОИЛАЧИЛИК 1 Оила, рўзғор ташвишлари, оила икир-чикирлари. *Салим ака ҳовли этагида жойлашган айвондаги сигир ва қўйларга назар ташлаб: -Оилачилик экан, мана шуларсиз қишлоқда ҳаёт йўқдек туюлади, — деди кулиб.* Газетадан.

2 Оиладаги тартиб ва муносабатлар.

3 *салб.* Кадрлар танлашда, уларни ишга жойлашда, нарса, ҳақ ва ш.к. ни тақсимлаш каби жараёнларда ўз яқинларини тўплаш ва уларга имтиёз беришдан иборат ғайриқонуний ҳаракат. *Оилачиликка қарши курашиш.*

ОЙ 1 (О — *катта) астр.* Қуёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий жисм, Ернинг табиий йўлдоши. *Ўн тўрт кунлик ой. Тўлин ой. Ой нури. Ой чиқди. Ой ботди. Ойнинг юзидаги доғлар. Ойнинг Ер атрофида айланиши. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.* Мақол. ■ *Кечки гуллар очилиб турибди. Кўкда танҳо ой кезмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ой юз Чиройли юз, гўзал юз. *Ой юзинг қора чиммат зулмидан қутултирғил. Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичинда жавлон қил.* Ҳамза. **Ой деса — ойга, кун деса кунга ўхшайди** Жуда гўзал, жуда ҳам чиройли.

2 Астрономик йилнинг ўн иккидан бирига — Ойнинг Қуёш атрофидан бир марта айланиб чиқиш муддатига яқин вақт оралиғи; ўлчов бирлиги: 28, 29 30 ёки 31 кунлик давр. *Ой боши. Май ойи. Бир йил — ўн икки ой. Бу орада уч ой ўтди. Ёз ойлари ҳам ўтиб кетди. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ.* Мақол. ■ *Ўғлим бечора ой ўтмасдан бўзчининг мокисидек қатнаб турса.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ойдан ой, кундан кун ўтиб Анча вақт ўтиб. *Ойдан ой, кундан кун ўтар дарёдил, Менга танҳо бўлган сен йўқсан моҳим.* Ҳабиб Абдуназар, Анжир гули. **Ой-кун(лар) ўтиб** Вақти, умри, ҳаёти кечиб. *Шу йўсин оромсизлик ва бесаранжомлик ичида [Отабекнинг] ой-кунлари ўтиб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Уч-тўрт кунлик ой шаклидаги безак ёки белги. *Мезана устидаги ой.*

4 Аёллар исми таркибига киради ёки аёллар номига қўшилиб, эркалаш, ҳурматни билдиради. Мас.: *Ойпошша, Ойқиз, Ойтўти, Ойниса; Турсуной, Ширмоной, Қундузой.*

Ой бориб, омон кел Сафарга кетаётган кимсага яхшилик тилаб айтиладиган ибора, оқ йўл тилаш. *У [Элмурод] йўлда кетар экан.. «Ой бориб, омон келинг!» деб, оқ йўл тилаб қолган Гулсумни хийлагача ўйлаб ётди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ой кўрмоқ** Ҳайз кўрмоқ. **Ойи тўлди** Туғиш вақти етди. *Кумушнинг ойи тўлмасданоқ, у [онаси] бешик ясатиш билан машғул эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ой-куни яқин** Туғиш арафасида, олдида.

ОЙБА Эрнинг опаси (хотинига нисбатан) ва унга мурожаат шакли.

ОЙБОЙ *унд с., с.т.* Вой-бўй.

ОЙБОЛДОҚ Исирғанинг олтин, кумуш, мисдан уч-тўрт кунлик ойга ўхшатиб ишланган, нақшсиз, шокиласиз бир тури. *Олтин ойболдоқ. Ойболдоқ тақмоқ.*

ОЙБОЛТА 1 *тар.* Болтанинг тиғи ярим ой шаклида, икки учи гажак бўлиб қайрилиб келган, дастаси узун бир тури; табар (Хонлик даврларида ҳарбий қурол сифатида ишлатилган). *Елкаларига ойболта қўйган соқчилар шаҳар дарвозаси ёнида саф тортган эди.* М. Осим, Элчилар.

2 Болтанинг қассоблар гўшт чопадиган ва рўзғорда ишлатиладиган кичик бир тури. *Мамасидиқ қўлидаги кетмонни ёнига суриб қўйиб, ойболта билан юлғун илдизини бир уришда узиб ташлади.* С. Маҳкамов, Гулистон.

ОЙГУЛ Кўп япроқли мойчечак шаклидаги нақш. *Ойгулни наққошлар бахт-иқбол*

рамзи сифатида қўллаб келганлар. Бухорода ойгулни «нақши моҳий» деб юритишади. «ЎзМЭ».

ОЙДА-ЙИЛДА *рвш.* Узоқ вақт давомида бир марта; гоҳ-гоҳ, онда-сонда. *Ойда-йилда бир кўринади.* ▬ *-Ўзимиз ойда-йилда бир палов еймиз, — Ибодулла бошидаги баргикарам духоба дўпписини тузатар экан, гап қўшди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОЙДИН 1 *сфт.* Ой чиқиб, ҳамма ёқ ой нури билан ёриган, ёруғ. *Ойдин кеча.* ▬ *Кеча ойдин, қабристон тип-тинч.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кўр (*ёки* **хира) ойдин** Булутлар орасидан ўтиб тушаётган ой ёғдуси ва шундай ёғду билан ёришган кеча. *Хира ойдинда қоп-қора ҳайкалдай бўлиб бир отлиқ кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Сутдек ойдин** Беғубор, ёп-ёруғ ой ёғдуси ва шундай ёғду билан ёришган кеча. *Менглибой чакмонини елкасига ташлаб, қўйлардан хабар олгани ташқарига чиққанда, сутдек ойдин эди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Ой нури, ёғдуси. *[Отабек] Ичидан тақинган ханжарини қинидан суғуриб олди-да, дамини ойдинга солиб боқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олисдаги уйларнинг томлари ойдинда йилтирайди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Ойдинда оёғим қилади Менга ҳеч қийинчилиги йўқ, кўзимни юмиб ҳам қила оламан.

3 *кўчма* Аниқ, кўриниб, билиниб турган, равшан. *Бу масала ҳамма учун ойдин.* ▬ *[Нор:] Ҳаммага қоронғи бўлса ҳам, менга ойдин.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Булар бари, оға, офтобдай ойдин гаплар, лекин шуларни Яхшибоевнинг ҳам ўйлаган-ўйламаганлиги мени бир оз таажжубга солади.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 Ойдин (хотин-қизлар исми).

ОЙДИНЛАШМОҚ 1 Ой ёғдуси билан ёримоқ. *Тун ойдинлашди.*

2 *кўчма* Аниқ-равшан бўлмоқ, очиқ-ойдин, тушунарли бўлмоқ; ечилмоқ. *Аҳвол ойдинлашди. Масала ойдинлашди.* ▬ *Комилжоннинг фикри ойдинлашган сари кўпчилик Комилжон томонга ўта бошлади.* И. Раҳим, Ихлос. *Ёлғон туманга ўхшайди. Туман тарқагач, ҳамма нарса ойдинлашади.* «Саодат».

ОЙДИНЛАШТИРМОҚ Аниқлик киритмоқ. *Биз ушбу музейимизга қўйиладиган экспонатлар, ноёб ҳужжатлар орқали ана шу тарихий ҳақиқатни бир қадар ойдинлаштириш ниятидамиз.* Газетадан.

ОЙДИНЛИ Ой чиқиб турган, ҳамма ёқ ой нури билан ёришган; ойдин. *Қайғурма.. Бу кеча сенинг қайғули кечаларингнинг энг кейингиси ва ойдинли ҳам шеъриятли тунларингнинг арафасидир, бегим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЙДИНЛИК Ойдин эканлик, ёришганлик, ёруғлик; аниқлик. *Кечанинг ойдинлиги. Масалага ойдинлик киритмоқ.* ▬ *Конференция муаммоларга аниқлик, ойдинлик киритади.* Газетадан.

ОЙДИНСИЗ Ой чиқмаган, ой ёғдуси билан ёримаган. *Ер оппоқ қор. Ҳаво очиқ. Ойдинсиз кеча.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ОЙИ *с.т. шв.* Она. *-Бир оздан кейин чиқиб, ойим билан сўрашинг, — деди Кумуш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ойижон, сиз ҳеч ташвиш тортманг, чарчадим, холос, — жавоб берди Нури.* Ойбек, Танланган асарлар.

Катта ойи 1) ота ёки онанинг онаси; 2) *этн.* катта хотин (кичик хотиннинг болаларига нисбатан); 3) кекса хотинга нисбатан мурожаат шакли. *Йўлчи пишқирган отини тўхтатиб, қичқирди: -Катта ойи, йигитчаларни хурсанд қилинг!* Ойбек, Танланган асарлар. **Келин ойи** *қ.* **келинойи. Кичик ойи** *этн.* Кичик хотин (катта хотиннинг болаларига нисбатан).

ОЙИМ 1 *с.т.* **Ойи** с. 1-ш. эгалик шакли. *Буни [узукни] ёш қиз вақтимда.. ойим сотиб олиб берганди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *тар.* Оқсуякларга мансуб аёлларга мурожаатда уларнинг номига, унвонига қўшиб ишлатилган ёки унинг таркибий қисмини ташкил этган сўз. *Моҳлар ойим.* ▬ *Нигор ойим ҳозиргина [ўқувчи] қизларини озод қўйиб, кўкрак боласини бағрига олган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Катта уйда эшон ойимлар ҳам Тўраҳўжабойнинг хотини, келинлари.. ўтиришипти.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир вақтлар мен ҳам хоним ойимларга чўри эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Умуман, аёл кишига мурожаат қилганда, ҳурматлаш, улуғлаш маъносида унинг номига қўшиб айтиладиган сўз. *Раҳима ойим, Мастура ойим* каби.

4 *с.т.* Танноз, нозанин.

Ойим қиз Қизларга ҳурмат юзасидан ёки кесатиқ билан мурожаат шакли. *{Заргаров:]*

Аравани қуруқ олиб қочманг, ойим қиз! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ОЙИМПОШША 1 Ҳурмат юзасидан ёки кесатиқ билан аёлларга нисбатан ишлатиладиган сўз. *[Домла Фотимага:] Бир оз тобим йўқ деб ёзибсиз, нима бўлди, ойимпошша?* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

2 Ойимпошша (хотин-қизлар исми).

ОЙИМСУПУРГИ 1 Поясидан супурги қилинадиган, дони қизил бошоқли ўсимлик.

2 Шу ўсимлик поясидан боғланган супурги.

3 *кўчма салб.* Супургидай эгилиб-букиладиган, мулойим одам ҳақида. [*Мўмин ака] Нечундир, тўсатдан кирпи қиёфасидан ойимсупурги қиёфасига кирган, мулойимлашиб қолган эди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

ОЙИМТИЛЛА *с.т.* **1** Меҳнатга тоби йўқ, қўлини совуқ сувга урмайдиган аёл; оқсуяк аёл. *Ойимтилла бу келин, Аҳволига бир қаранг, Тирноқ қизил, лаб қизил, Ўсмадан қошлар таранг.* Ғ. Комилов. [*Ҳаётхон:*] *Унга мен эмас, ойимтилла бўлиб, уйда ўтирадиган хотин керак-да.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

2 Енгилтак, танноз аёл. *-Бу ойимтилла тоза енгилтак экан-ку, - деди ўзига-ўзи Қумри.* Мирмуҳсин, Ажрим.

3 *кест.* Сояпарвар, иш ёқмас, хотинчалиш эркак. *Ўша ойимтиллаларнинг ишини қилолмайди деб ўйлайсизми, нархимизни кўпам ерга ураверманг.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ОЙИМЧА 1 *тар.* Оқсуяклар, шоҳлар, хонлар оиласига мансуб ёш хотин. *Ойимчалар сунбул сочини тарашди, атрофдан қирқ канизи келиб қарашди.* «Нигор ва Замон».

2 *эркл.* Нозанин, танноз. *Боғда очилган гул ғунчалар. Ҳолин билмас бир нечалар. Олинг гулгун ойимчалар, Болам алла-ёр, алла-ёр!* «Ширин билан Шакар». *-Дўстим, кечга меҳмонларни жўнатиб, иккаламиз, ойимчалардан ғалатисини топиб, гашт қиламиз. -Қўлингни бер, шоввоз!* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кест. айн.* **ойимтилла 1.** *Кеча келиб, бугун хўжайинлик қилишни сенга ким қўйибди, ойимча.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ҳа, ойимча, эрга теккан бўлсам, хўп қипман, ажаб қипман. Эрга тегиб, ёмон бўлганим йўқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОЙИМҚОВОҚ Ошқовоқнинг эртапишар бир тури. *Хуллас, икки-уч йил ичида пешонаси икки ҳиссага кенгайиб, боши ойимқовоқдек ялтиради-қолди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ОЙИНА [*ф.* آئینه – кўзгу; шиша] *айн.* **ойна.** *Гўзал Нурхон, боқиб ойинага биздан уялдингми?* Ҳамза. *Ой олади дала тўшидан, Денгиз - кенг оламга сайқал ойина.* Миртемир.

ОЙЛАБ *рвш.* **1** Бир неча ой ичида, кўп ойлар давомида. *Москва, Петербургга кўп қатнадим, ойлаб у шаҳарларда қолдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ўтиришдан сўнг у [Отабек] бир ойлаб бўзахонага келмай кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..ойлаб кутубхонаю лабораториялардан бери келмай, сўнгги имтиҳонга пухта ҳозирлик кўрадиган, битирув ишини ёзишга киришадиган талабчан ёшлар ҳам оз эмас.* Газетадан.

2 Ойлар билан. *Вақтни ойлаб ўлчамоқ.*

ОЙЛАБ-ЙИЛЛАБ *рвш.* Ой ва йиллар бўйи, ойлар ва йиллар мобайнида. *Ойлаб-йиллаб кутмоқ.*

ОЙЛАР: ойлар шафтоли *шв. айн.* **луччак шафтоли** *қ.* **луччак 1.**

ОЙЛИ 1 Ой чиқиб, ёғду сочиб турган; ойдин. *Ойли кеча. Ойли тун.* ▬ *Баъзан қўшиқ тинглаб қолдим ойли тунларда.* Ғайратий. *Тун шу қадар ойли эдики, Топиларди игна йўқолса.. Қандай ухлар, ойли тун қизнинг Юрагига ҳаяжон солса?* Уйғун.

2 Ой шаклидаги гули, нақши бор. *Дўппи тикдим чиройли. Гуллари ярим ойли.* «Қўшиқлар».

ОЙЛИК 1 Ой мобайнида давом этадиган. *Бир ойлик отпуска. Тўққиз ойлик йўл.*

2 Бир ойга мўлжалланган. *Ойлик режа.* ▬ *«Қўшчинор» тўғон участкасида.. икки ойлик иш қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Ҳар ойда чиқадиган. *Ойлик журнал.*

4 Ойига тўлган, маълум бир (муддат) ой яшаган. *Бир ойлик қўзи. Икки ойлик бола.*

5 Бир ой мобайнида қилинган меҳнат учун тегадиган ҳақ, маош. *Неча пул ойлик оласиз?* ▬ *Бокс тўгарагининг тренери сифатида у бекорга ойлик оляптими?* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

6 Бирор ижтимоий ишни бажариш, тадбир ўтказиш учун белгиланган бир ой муддат. *Китоб ойлиги. Шаҳарни ободонлаштириш ойлиги.*

ОЙЛИКБАЙ Ҳар ойда қилинган ишга ҳақ тўлаш шарти билан ёллаш-ёлланиш усули. *Мен ҳам ҳаммолликни ташладим-у, ўзимни ойликбай ишга урдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОЙЛИКХЎР *кам қўлл.* Ойлик билан яшовчи; ойлик (маош) олувчи. *Оилада нечта нонхўр бўлса, ҳаммаси ойликхўр. Эртага барвақт уйғот!* Газетадан. [*Тожибой:] -Ишни биз қиламиз-у, ойликнинг каттасини булар ейди. Ойликхўрлар! — деб тўнғиллаб ҳам қўяр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОЙМА-ОЙ Ҳар ойда мунтазам. *Нусратбек маошидан ўз харжига кераклигини ажратиб, қолганини хотинига ойма-ой юбориб турди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОЙМОМА *с.т.* Ой. *Маҳваш яна оймома сиймосида пайдо бўлди-ю, аста-секин юлдузлар мисолида жимир-жимир қилиб, узоқлашиб кетди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Унга кўксин тутди, нурга кўмилиб, Тунлари — оймома, кунлари — қуёш.* Х. Даврон, Қақнус.

ОЙНА [*ф.* آئينه] **1** Одатда дераза, эшик кўзларига ўрнатиш учун ишлатиладиган ясси шиша. *Бир тахта ойна. Дераза ойнаси. Ойна заводи. Ойна синиғи. Ойна кесмоқ.* ▬ *Туманланган дераза ойналарида йирик қор парчалари оқ капалакдай кўринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Дераза. *-Қор-ку майли-я, бўронига нима бор, — деди блиндаж ойнасидан қараб турган Нормат.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Икки томон тоғ.. — деди Ҳафиза машина ойнасидан баланд тоғларга ағрайиб, — мунча чиройли!* Мирмуҳсин, Умид.

3 Қаршисидаги нарсаларни акс эттирадиган, одатда киши ўз аксини кўрадиган, орқаси сирланган махсус шиша; кўзгу. *Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама.* Мақол. ▬ *Даҳлиздаги ойна олдида сочларини тараётган Холиса уларга сохта жаҳл аралаш ғурур ва бир оз меҳр билан киноя қилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *[Зебо] Ойнага қараб, ўзини тузатди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 *кўчма* Бирор ҳолатни, ҳодисани акс эттириб ёки ёритиб турган нарса; кўзгу. *Дўст дўстнинг ойнасидир.* Мақол. ▬ *Кундалик дафтар — мактаб боласининг хулқ-атворини, олган баҳоларини равшан кўрсатиб турадиган тиниқ ойна.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

Ой(и)наи жаҳон 1) жаҳонни кўрсатувчи, бошқа жойлардаги нарсаларни, бўлиб турган ҳодисаларни кўрсатиб турувчи афсонавий ойна. *Илгари болалар орзу қиларди. Бўлса деб уйларди ойнаи жаҳон.* Ф. Йўлдошева; 2) *с.т.* телевидение. *Хайриятки, ойнаи жаҳонимизнинг айрим раҳбарлари ижодкор халқимизнинг онги ва тафаккурини кўтариш, савиясини ошириш заруратини яхши тушунадилар.* Газетадан; 3) *с.т.* телевизор. *Тантаналар ойнаи жаҳон орқали намойиш этилди.* Газетадан.

5 *с.т.* Кўзойнак. *Ойна ортидан тикилиб турган бир жуфт ўтли кўз унинг онгига анчадан кейин етди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Ўзини ойнага солмоқ Ўз ҳолатини кўзгуда кўрмоқ. *Қиз ўзини ойнага солди.* «Шарқ юлдузи».

ОЙНАБАНД [ойна + *ф.* بند — боғлам; кишан, тўр; тўсиқ, ғов] **1** Ойна ўрнатилган, қуйилган, солинган. *Ойнабанд айвон.* ▬ *Ойнабанд эшикларига номер ёзилган кабиналардан хилма-хил товушлар келади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ойна ёки кўзгу қоплаб безатилган; ойнакор. *Ойнабанд зал.* ▬ *Кўринар қўрғондан ям-яшил қишлоқ. Оқ уйлар нақадар сулув, ойнабанд.* Х. Расул.

ОЙНАВАНД *с.т.* Ойнабанд. *Шаҳарда уч қаватли ойнаванд ёруғ бинолар қурилиб, тўғри кўчалар очилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ОЙНАДОР Ойнали, ойна тутилган; ойнабанд.

ОЙНАК [*ф.* آئينک — кичкина ойна] **1** *айн.* **ойна 2.** *Шу пайтда штаб томонидан келган кимдир автомобиль ойнакларидан бошини тиқиб қаради.* Газетадан. *Ёрни ойнакдан қаранг, Ноз уйқуда ётганмикин?* «Қўшиқлар».

2 *с.т. айн.* **ойна 3**. *[Хонзода:] Сен нимангга бино қўясан? Ҳуснинггами? Ойнакка қара.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 *айн.* **кўзойнак.** *Пойгакдаги каравотда китоб ўқиб ётган Ҳожи ака.. чаққонлик билан бошини кўтариб, кўздан ойнагини олди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Кителининг чўнтакларини титиб, ойнагини тополмади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЙНАКЛИ Кўзойнак таққан, кўзойнакли. *Орқа ўриндиқда ўтирган ойнакли киши негадир безовта эди.* «Ёшлик».

ОЙНАКОР *с.т.* Ойнабанд. *Очилбек.. бориб, Холбўта туркманникига тушди. Деразали, ойнакор меҳмонхоналар.* «Очилдов».

ОЙНАКСОЗ [ойнак + *ф.* ساز – қурувчи, тузатувчи, созловчи] Кўзойнакларни тузатувчи уста.

ОЙНАЛАТМОҚ Ойна солмоқ; шиша қўймоқ. *Барча деразаларни ойналатгач, хоналар анча исиб қолди.* Газетадан.

ОЙНАЛИ 1 Ойна солинган, ойнабанд.

2 Кўзгу ўрнатилган, кўзгули. *Ойнали шкаф.*

3 *с.т.* Деразали. *Уйнинг ойнали девори.*

ОЙНАСИМОН Ойнага ўхшаш; шиша тахлит. *Иморат олди ойнасимон материаллар билан қопланди.* Газетадан.

ОЙНАСОЗ *шв.* Ойначи.

ОЙНАСОЗЛИК Ойна ишлаб чиқариш; саноатнинг шу соҳаси. *..ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик, ойнасозлик, кўнчилик сингари соҳалар ривожланмоқда.* Газетадан.

ОЙНАХАЛТА Ойна солиб қўйиладиган, матодан тикилган жиҳоз. *Қувват момо қошиқхалта, хуржун, қуроқ, гулдор кўрпачалар, ойнахалталар қилишда гузарда ном чиқарган эди.* «Ёшлик».

ОЙНАЧИ Деразаларга ойна солувчи уста.

ОЙНОМА *айн.* **журнал.** *Кейинги пайтда севимли ойномамиз «Шарқ юлдузи» халқимизга ҳақиқатни етказишда ибратли ишларни амалга оширмоқда.* «Шарқ юлдузи».

ОЙПАРАСТ Уйқусирайдиган, уйқусида гапирувчи, турли ҳаракатлар қилувчи. *Султон худди ойпарастларга ўхшаб, уйнинг у бурчидан бу бурчига бориб келарди.* «Шарқ юлдузи». *У яхши гап, «ҳақиқат» билан ойпараст уйқусидан уйғотилгач, рашк алангаси ўчиб, яна илгариги ҳолига келарди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

ОЙПАРЧА Ойдек гўзал, моҳпора, нозанин. *Колхоз шийпонига йиғилган барча, Келди Гулбаҳори худди ойпарча.* М. Алавия.

ОЙПОШША 1 *айн.* **ойимпошша 1.** *-Мен сени ойпошша бўлиб ўтирадиган, қўлингни совуқ сувга урмайдиган жойга тинчитаман, дейди, – деди Ҳикоятнинг онаси.* Ибохон, Феруза кўзли исирға.

2 Ойпошша (хотин-қизлар исми).

ОЙСИЗ 1 *айн.* **ойдинсиз.** *Ойсиз кеча.*

2 Маълум ой, вақт ўтмасдан. *Мабодо келмасангиз, бир-икки ойсиз қишлоқдан келмайман, деб маъшуқангиз Зайнаб.* Ҳамза, Ким ўғри?

ОЙТАМҒАЛИ Ўзбек халқининг дўрмон, қипчоқ, қўнғирот каби йирик қабилалари таркибига кирган уруғлардан бири (асосан Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида учрайди).

ОЙҚАРА: ойқара ёпмоқ Бир барини бошга, бир барини оёққа қилиб узунасига ёпмоқ (чопон, пўстин, чакмон ва ш.к. ни). *Аваз отасини Таваккал ғорига олиб бориб, ўлик суратида чалқанча ётқизиб, устига пўстинини ойқара ёпиб қўйди.* «Балогардон».

ОЙҚУЛОҚ Балиқ ва бошқа баъзи бир сувда яшовчи жониворларнинг нафас олиш аъзоси; жабра.

ОКЕАН [*юн.* okeanos – Ерни айланиб оқадиган азим дарё < Okeanos – юнон мифологиясида: сув офати маъбуди номи] Ер қитъалари орасидаги улкан сув ҳавзаларидан ҳар бири. *Атлантика океани. Тинч океан. Ҳинд океани.* ▬ *Ер юзининг учдан икки қисмидан кўпроғини сувлик – денгиз ва океанлар қоплаган.* «Фан ва турмуш». *Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари қирғоқларида жойлашган мамлакатларда ва шу океанлардаги оролларда яшовчи халқларнинг кўпи денгиз тошбақаларини ейди.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ОКЕАНОЛОГ *айн.* **океаншунос.** *Океанологларнинг аниқлашича, Атлантика океанининг тубида фақат майда жониворлар билан озиқланадиган йиртқич ўсимлик мавжуд экан.* «Ёшлик».

ОКЕАНОЛОГИЯ [океан + *юн.* logos – фан, таълимот] *айн.* **океаншунослик.** *Океанология, асосан, кемаларда ва гидрологик станцияларда ўлчовлар ўтказишга асосланади.* «ЎзМЭ».

ОКЕАНОРТИ Америка; Америка қитъаси. *Қирқ саккизинчи чемпионатда 3 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритган ўзбекистонлик боксчиларга океанортида ҳам тан беришди.* Газетадан.

ОКЕАНШУНОС [океан + *ф.* شناس – ўрганувчи, текширувчи] Океан ва денгизларни текширувчи олим, океаншунослик мутахассиси. *-Геологлар бу ерда [Қизилқумда] худди океаншунослар сингари, триллионлар билан иш кўришади! – деди Ваҳобжон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ОКЕАНШУНОСЛИК Табиий географиянинг океан ва денгизларда рўй берадиган физик, кимёвий, геологик, биологик ҳодисаларни ўрганадиган бўлими.

ОККАЗИОНАЛИЗМ [*лот.* occasionalis – тасодифий] *тлш.* Умумистеъмолга мувофиқ, тўғри келмайдиган, индивидуал тарздаги маънога эга бўлган тил бирлиги.

ОККУЛЬТИЗМ [*лот.* occultus – яширин, сирли] Инсонда ва космосда, умуман дунёда сирли, яширин кучлар мавжудлигини эътироф этувчи, тафаккурга зид таълимотларнинг умумий номи. *Оккультизмга кўра, яширин кучларни махсус психик машқлардан ўтган ва ўзини фақат шу йўлга бағишлаганларгина пайқай олади.* «ЎзМЭ».

ОККУПАНТ Оккупация қилувчи, оккупация қатнашчиси, босқинчи. *Немис оккупантларидан озод қилинган ҳудудларда халқ хўжалигини тиклаш чоралари ҳақида чиқарилган қарорларни ўқиб ўтирган Ширмонхоннинг кўнгли ғурурга тўлган эди.* С. Зуннунова, Олов.

ОККУПАЦИОН Оккупация қилган ёки қилувчи. *Оккупацион армия.*

ОККУПАЦИЯ [*лот.* occupatio – эгаллаш, босиб олиш] Бошқа давлат ерларини қуролли куч воситаси билан босиб олиб, унинг суверен ҳуқуқларини поймол қилган ёки чеклаган ҳолда вақтинча эгаллаб туриш. *Оккупация зонаси. Оккупация қилмоқ.*

ОККУПАЦИЯЧИ *айн.* **оккупант.** *Оккупациячи қўшинлар.*

ОКОП [*р.* окоп – ковланган жой, чуқур < окопать – «чуқур қазиб, атрофини ўрамоқ» фл. дан] *ҳарб.* Жонли кучлар ва жанговар техникани душман ўтидан пана қиладиган ҳарбий иншоот. *Урушда окопда ётиб орзу қилардик – эл-юртга омон қайтиб, бир эшитсак «Қора тўрғай»ни деб!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Морозов ротаси халқ лашкарлари ковлаб қўйган окопларга икки взводни жойлаб, қолган взвод билан танкка қарши мудофаа чораларини кўра бошлади.* И. Раҳим. Чин муҳаббат.

ОКРУГ [*р.* округ – теварак, атроф < окружать – «қуршаб олмоқ; атрофини ўрамоқ» фл. дан] **1** Баъзи давлатларда маъмурий-ҳудудий бирлик. *Исландия маъмурий жиҳатдан 23 округга, улар эса жамоаларга бўлинади.* «ЎзМЭ».

2 Йирик ҳудудий ҳарбий бирлашма, бўлинма. *Эртага округ штабидан генерал келиши кутилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Туркистон ҳарбий округи ўз ихтиёридаги машиналарни чўлни ўзлаштиришга беряпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Вақтинчалик тузилган ҳудудий бўғин. *Сайлов округи.* ▬ *Кўп мандатли округларда сайловчилар яширин овоз бериш бюллетенларига ёзиб қўйилган.* Газетадан.

4 *эск. тар.* Ҳозирги вилоят бараваридаги ҳудудий бирлик, музофот. *Тошкент округи. Андижон округи.*

ОКСИД [*юн.* oxys – нордон + eidos – кўриниш, қиёфа; ҳолат; тур, нав] Кимёвий элементнинг кислород билан бирикишидан ҳосил бўлган модда. *Натрий оксиди.*

ОКСИДЛАМОҚ *ким.* Бирор элементнинг оксидини ҳосил қилмоқ. *Темирни оксидламоқ.*

ОКСИДЛАНИШ *ким.* Турли моддаларнинг кислород билан бирикиши; кимёвий реакция тури. *Думба – қўй танасидаги ҳароратни бир меъёрда сақлашга, оксидланиш, модда алмашинишининг яхшиланишига ёрдам беради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ОКСИДЛОВЧИ *ким.* Оксид ҳосил қилувчи. *Оксидловчи моддалар.*

ОКТАВА [*лот.* octo – саккиз; octavus – саккизинчи] *мус.* **1** Диатоник гамманинг саккизинчи босқичи; шу гаммада бир номдаги икки нота оралиғи (мас., *до* – кейинги *до*).

2 Жуда паст эркак овози – баснинг алоҳида кўриниши.

3 *ад.* Саккиз қаторли шеърий банд.

ОКТАНТ [*лот.* octans, octantis – саккиздан бир] **1** *геом.* Уч ёқли бурчакларнинг саккиз соҳасидан исталган биттаси.

2 *астр.* Авваллари осмон ёритқичлари ўртасидаги бурчак масофалар(и)ни ўлчашда қўлланган астрономик асбоб.

3 Осмон гумбазининг Жанубий яримшаридаги юлдуз туркуми.

ОКТАЭДР [*юн.* oktaedron < octo – саккиз + hedra – асос, қирра, ёқ, томон] *геом.* Саккизта учбурчаклик билан чегараланган жисм; саккизёқлик.

ОКТЕТ [*итал.* ottetto < *лот.* octo – саккиз] *мус.* **1** Саккиз ижрочи хонанда ёки чолғучи (созанда) учун ёзилган мусиқий асар (бунда уларнинг ҳар бирига алоҳида ижро қисми ва нота мўлжалланган бўлади).

2 Шундай асарнинг саккиз ижрочи томонидан ижро этилиши, шунингдек, саккиз ижрочидан иборат ансамбль.

ОКТЯБРЬ [*лот.* octo – саккиз] Қадимги Рим календарида йилнинг саккизинчи ойи; янгича календарь йили ҳисобида ўнинчи ойининг номи.

ОЛ *кт.* Қизил, қирмизи. *Ол юзли.*

ОЛА 1 Оқ-қора, оқ-малла ва ш.к. қоришиқ тусли (ҳайвонлар туси ҳақида). *Ола от. Ола ҳўкиз. Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар.* Мақол. ▬ *Бу пулга манман деган галанский [голланд] ола сигир олишингиз мумкин.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Оқ ола Асосан оқ туси билан ажралиб турадиган ола-була. **Қора ола** Асосан қора туси билан ажралиб турадиган ола-була.

2 Турли хил рангли, йўлли ёки гулли; чипор. *Ола (йўлли) беқасам. Илон чаққан ола арқондан қўрқар.* Мақол. ▬ *Хонанинг тўридаги пўстак устида оппоқ соқоли кўксига тушган, катта саллали, ола чопонли домла ўтирарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Келишмовчилик, нифоқ, низо. *Олтовлон ола бўлса, оғиздагини олдирар.* Мақол. *Овул ити ола бўлса, бўри келса бирикар.* Мақол. ▬ *[Тожибой:] -Йўқ, менинг фуқаром ичида оласи йўқ, – деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ола чиқди Иттифоқи, ораси бузилди. *Оқ пошшонинг аскарлари ўртасидан ола чиқиб, «Урушмаймиз, урушса пошшо билан вазирлар уруша берсин», деб турган эмиш.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

4 *кўчма* Тугал эмас, ҳаккам-дуккам, бир текис униб чиқмаган; чала. *Чигит сифатсиз экилиб, кўчат ола чиқса, кимга фойда-ю, кимга зарар?* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

Ола кўз, олакўз 1) чақчайган катта кўз; 2) шундай кўзли киши. *Элмурод атрофига қараган эди.. олакўз завхоз ҳам саҳна олдида томоша қилиб турганини кўрди-ю, ўзининг бор-йўқлигини унутди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ола қарамоқ** 1) кўзларини олайтириб, ўқрайиб қарамоқ. *Деҳқоновга ва унга танбеҳ бердим. Энди иккови ҳам менга ола қараб юрибди.* С. Нуров, Нарвон; 2) ёмон ният, ёмон кўз билан қарамоқ, кўз олайтирмоқ. *-Сиз яхши кўрган бир қизга биров ола қараса, сиз нима қилардингиз? – деди.* Н. Сафаров, Уйғониш; 3) душманлик билан қарамоқ, бир текисда, баравар кўрмаслик. *Ултонни ҳеч ким бек қилгани йўқ, у ўзи ўзини бек қилиб, Қўнғиротга ола қаради.* «Ёдгор». **Оқ уй, ола баргак** *қ.* **баргак**.

ОЛАБАЙРОҚ Ола-була, йўл-йўл ёки катак-катак. *Олабайроқ беқасам.* ▬ *Иккинчи киши.. Бухоронинг олабайроқ матосидан чопон кийиб, камар ўрнига чопонини турмаклаган мулланамо бир зот бўлиб, бу киши ароқсиз эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олабайроқ уфқнинг ранги тобора ўчиб, аста-секин қоронғиликка чўкди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Олабайроқ варрак Йўл-йўл ёки катак-катак қилиб бўялган катта варрак.

ОЛАБАРГОҲ *шв. кам қўлл.* Ҳашаматли уй. *Суйганинг билан бўлсанг, қора уй ҳам олабаргоҳ кўринар.* Мақол. ▬ *Тоға оқ уй, олабаргоҳ уйда яшаяпсиз. Тинч-хотиржамсиз.* «Ёшлик».

ОЛА-БУЛА 1 Оқ ва бошқа ҳар хил ранг аралаш тусли; гулли. *Ола-була чит.* ▬ *Ола-була тўн кийиб, бошига кичкина оппоқ салла ўраган, ковуш-маҳсили йигит салом бериб кирди.* Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари.

2 *кўчма* Хусусиятлари жиҳатидан бир хил бўлмаган; аралаш, қурама. *Ўтган йилларда мактаблар жуда ола-була, ўқувчиларнинг маълумотлари нотекис эди.* Газетадан.

Кўзини ола-була қилмоқ Кўзларини катта очиб бесаранжом ўйнатмоқ, олайтирмоқ. **Кўзлари ола-була** Кўзлари катта очилган, олайган, бесаранжом. *Бир куни отам чақ-чақ уриб кириб келди. Кўзлари ола-була эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОЛАБУТА *бот.* Шўрадошларга мансуб бир йиллик ўтсимон ёки ярим бута ўсимлик. *[Олабутанинг] Пояси тик, шохланиб ўсади, бўйи 1 м ёки ундан ортиқ бўлади.* «ЎзМЭ.»

ОЛАБУҒА Усти кўндаланг қора йўллар билан қопланган, сузгичлари қизғиш, йирик тангали балиқ.

ОЛАБЎЖИ 1 Ҳайбатли, қўрқинчли афсонавий махлуқ (ёш болаларни қўрқитиш учун айтиладиган сўз). *Олдин Аввалбек ундаган, Тамара кўнмаган. Энди, қарабсизки, манави олабўжи қилтириқдан ҳам зурриёт қолади.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *кўчма* Ваҳимали, қўрқинчли нарса. *-Шўр чигитни қуритади, зах илдизни чиритади, деб чўлни олабўжи қилиб кўрсатишга уринмоқдалар, – деди раис.* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

ОЛАЗАРАК: олазарак бўлмоқ У ёқ-бу ёққа бесаранжом қарамоқ, аланг-жаланг бўлмоқ. *Қиёмхон атрофга олазарак бўлиб қарагач, дарвозахона ёнидаги харобага ишора қилди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. **Кўзи олазарак** Кўзи бесаранжом, аланг-жаланг. ▬ *Бола, кўзлари олазарак, ҳадиксираб, ҳайдовчига яқинлашди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ОЛАЙЛИК *крш. с. взф.* Масалан, чунончи, фараз қилайлик. *Олайлик, бу ерда ҳам одамлар ўз билганларини, эшитганларини гапирадиган бўлишди.* Газетадан.

ОЛАЙМОҚ Катта очилиб, чақчайиб кетмоқ, бесаранжом ўйнамоқ, ола-кула бўлмоқ (кўз ҳақида). *Мирзонинг кўзлари олайиб, ходимгарларга қаради.* А. Қаҳҳор, Мирзо. *Йўлчининг ранги ўчди, кўзлари олайиб, титроқ овоз билан қичқиришдан ўзини тиёлмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Башорат ялт этиб қайрилиб, синглисига олайиб қаради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОЛАЙТИРМОҚ Олаймоқ фл. орт. н.

Кўз(ни) олайтирмоқ 1) кўзларини ола-кула қилиб қарамоқ, кўзларини ўйнатмоқ, ўқрайтирмоқ. *Қиз кўзларини олайтириб, Элмуроднинг юзига қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) *кўчма* ёмон ният, ёмон кўз билан қарамоқ. *Бировнинг мол-дунёси ошиб-тошиб ётса-ю, фақирга кўз олайтирса, ҳақиқат борми ахир, эй фалак!* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шакархондек қудратли ноибнинг хасмига кўз олайтиришга кимнинг ҳадди сиғди экан!* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЛА-КУЛА Бесаранжом олайган, катта очилиб ўйнаб кетган (кўз ҳақида). *Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафкашларнинг кўзлари ола-кула, юраклари така-пука бўлиб, нафаслари ичига тушиб кетди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *-Аҳ-а-а...! — Валихон бўзариб кетган совуқ кўзларини ола-кула қилиб, Майнага тикилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ОЛАКЎЗ Оқ қисми кўп, соққаси бирмунча кўтарилган катта кўз; шундай кўзли одам. *Бир неча кундан кейин қўнғиз мўйловли олакўз киши келиб, Мустафони олиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ОЛАКЎЗАН Сувсарлар оиласига мансуб, мўйнали, йиртқич сутэмизувчи ҳайвон. *Олакўзан ола бўлса ҳам, арслон бўлмас.* Мақол.

ОЛАЛАНМОҚ *кам қўлл.* **1** Ола-кула бўлмоқ (кўз ҳақида). *Мирҳосилнинг кўзлари олаланди, медаль ярқираб турган кўкрагига мушт урди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

2 Ўртага низо тушиб, иккига айрилмоқ, низолашмоқ. *Шаҳарнинг олаланиш хабари ўрдагача ҳам эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛАЛИК 1 Ола эканлик, турли рангда бўлишлик.

2 Келишмовчилик, нифоқ, низо.

ОЛАМ [*а.* عالم — дунё, жаҳон; коинот; халқ, омма] **1** Бутун мавжудот, борлиқ, коинот, дунё. *-Айб менинг ўзимда, — деди у [бой] зардаси қайнаб. — Олам бино бўлгандан бери яхшиликка — ёмонлик, хизматга — тухмат бўлиб келган.* С. Айний, Дохунда.

Ўн саккиз минг олам *эск.* Бутун коинот, бутун борлиқ, бутун дунё.

2 Бутун жаҳон, дунё, ер юзи ва ундаги инсонлар, халқлар *Пахтамизнинг шуҳрати бутун оламга машҳур.* ▬ *Ҳакимбойваччанинг овозаси оламни тутади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Табиатда мавжуд бўлган нарсаларнинг алоҳида бир тўпи, дунёси. *Ўсимликлар олами.* ▬ *Титраш ўсимлик оламига ҳам ҳалокатли таъсир этади.* «Фан ва турмуш».

4 Ўзига хос хусусиятлари, мақсади, маслаги билан ажралиб турадиган ижтимоий гуруҳ, жамият.

Янги олам 1) бирор ижтимоий формация ўрнини олган иккинчи, янги формация. *Янги оламга кирган одамларнинг ҳаммаси оёғида эски оламнинг лойи билан кирган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) *кўчма* янги шароит, янги муҳит. *Умрини шаҳарда, шовқинли цехларда ўтказган бу йигит учун қишлоқ мутлақо янги олам эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

5 Одамнинг маънавий, ички дунёси; ўзига хослиги. *Инсон руҳий оламининг энг нозик нуқталарини ҳис этиб, воқеа ва ҳодисаларнинг энг долзарб жиҳатларини бадиий акс эттирмоғим лозим бўлади.* «ЎТА».

6 Бирор соҳа, жабҳа. *Илм олами. Сиёсат олами.* ▬ *У энди.. Салимхондан кўп сўзлайди, ҳатто Салимхонни сиёсат оламига судрайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Фан оламида янгилик яратиш истаги унинг қалбини қамрай бошлади.* С. Кароматов, Олтин қум.

7 *дин.* Бу дунё; мавжуд дунё. *Оламдан ўтмоқ.* ▬ *Қутбиниса онаси оламдан ўтгандан*

буён энди оҳорли кийим кийиши эди. С. Аҳмад, Уфқ.

Бир олам 1) ўзига хос бир дунё. *[Нормат] 1940 йили [Москвадаги] қишлоқ хўжалик виставкасини кўргандаёқ: -Виставканинг ўзи бир олам, — деган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) жуда кўп, беҳад кўп, кўпдан-кўп, сон-саноқсиз. *У Москавадан бир олам таассуротлар билан қайтди.* Т. Ашуров, Оқ от. **Бошқа олам** Хулқ-атвори бўлак, бошқача. *От эса тамом бошқа олам, айниқса менинг қорабайирим.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Жумла(и) олам** Оламдаги ҳамма одам ёки нарса. *Олтин тупроғингда жумла олам бор.* Ҳ. Ғулом. **Икки оламда** Ҳеч вақт, ҳеч қачон. **Олам гулистон** *қ.* **гулистон.** *Ҳаммасига ўша мошак сабабчи. «Келинг», деб телефон қилмаганда, олам гулистон эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. **Олам ҳодис** Мабодо, эҳтимол, бўлиши мумкин, балки. *Олам ҳодис, қўлга тушиб қолсанг, сўроқ кезида айбни фақат ўз бўйнингга олиб, орага мени қотиштирмайсан!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Оламга сиғмай кетди** Беҳад хурсанд бўлди. *Кўрмайсизми: сувнинг шарпасини эшитиб, бечора [деҳқон]лар оламга сиғмай кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Парвардигори олам** Оллоҳ; оламнинг яратувчиси, халлоқи олам, худо. *Парвардигори олам дуоларимизни мустажоб қилгай.* **Подшоҳи олам** *эск.* Зўр подшоҳ, улуғ подшоҳ. **Халлоқи олам** *қ.* **халлоқ. Ҳусн олами** Ҳусндор кишилар, нозанинлар тоифаси. *Бу узатиш (тўй) мажлисини жонли, руҳли ўтказмоқ учун барча қизлар ўзларининг энг асл, энг нафис кийимларини кийиб, фавқулодда ҳусн оламини яна бир қат, яна бир қайта безабдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛАМГИР [*а.* + *ф.* عالمگیر — оламни олувчи, дунёни эгалловчи] *кт.* **1** Оламни фатҳ этувчи, оламни олувчи; жаҳонгир. *Агар мен ўша оламгирга замондош бўлсам эди, ўлим соатида бошида турсам эди, дейлик, унга ғассоллик қилсам эди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *кўчма* Жаҳонни ўзига қаратувчи, мафтун этувчи. *Агар куйлар эсам, Ширин жимирлаш бошланур танда, Бу биз — ботир, бу биз — ғолиб, бу биз — ҳар ишда оламгир.* Ғ. Ғулом.

ОЛАМ-ЖАҲОН *айн.* **олам-олам.** *Тўйга олам-жаҳон одам тўпланди.* ▬ *Баъзан нозик имосида олам-жаҳон қудрат ифодаланган ҳаракатлар, баъзан ғазабкор, баъзан эса мулойим ва нозли боқишлар Ҳасаннинг кўз ўнгидан кетмасди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЛАМ-ОЛАМ Беҳад кўп, жуда кўп; бир олам, олам-жаҳон. *Сиздан олам-олам миннатдорман. Ҳикматли сўзларда олам-олам маъно бор.* ▬ *Унинг олам-олам тажрибаси бор эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ОЛАМОРО [*а.* + *ф.* عالمآرا — оламни безовчи] *кт.* Оламга оро берувчи, дунёни безовчи; дунё безаги, зийнати.

ОЛАМПАНОҲ [*а.* + *ф.* عالمپناه — олам паноҳи, оламни сақловчи] *эск.* Подшоҳлар, хонлар эпитети. *Ўз устозини билмаган бу бепадар, оламапаноҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйишдан тоймай, устозининг қиблагоҳи учун мувофиқ кўрилган қизини йўлдан оздириб, бу кун кечаси уни қочириб, менинг ҳовлимга олиб келди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *-Олампаноҳ.. — Ҳофиз Кўйкий шоҳга қимтинибгина мурожаат қилди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ОЛАМТОБ [*а.* + *ф.* عالمتاب — оламни қиздирувчи, ёритувчи] *кт.* Оламни ёритувчи (қуёш эпитети).

Офтоби оламтоб 1) оламни ёритувчи қуёш. *Сони шулки, офтоб оламтоб бўлса, бешак-шубҳа тўртинчи осмонга михлангандир.* А. Қодирий, Кичик асарлар; 2) *кўчма* қуёш юзли гўзал.

ОЛАМШУМУЛ [*а.* + *ф.* عالمشمول — оламга эга бўлган, оламни қамраб олувчи] *кт.* Жаҳонаро аҳамиятга эга бўлган; аҳамияти жуда катта, жаҳоншумул. *Ҳар кунимиз ажойиб, оламшумул воқеалар билан тўла.* ▬ *Насриддин Тусий тажрибаларидан фойдаланиб, оламшумул аҳамиятга эга бўлган натижаларга эришди.* «Ёшлик». *Чиндан ҳам, «Темур тузуклари»дек оламшумул асарни яратиш учун Амир Темурдек қудратли шахс бўлиш керак.* П. Қодиров, Тил ва эл.

ОЛАОҒИЗЛИК Бир хил фикрга келмаслик; келишмаслик. *Олаоғизлик қилиб, колхозни ҳар ёғидан кўпкари қилиб тортмай, ўзидан чиққанини ўзига сарфласак, анча қаддимизни тиклаб оламиз.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ОЛАПАР Ола тусли ит лақаби ва шундай лақабли ит. *Бир олапар эллик қадамча нарида алланарсани ғажир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бостирма тагида мудраб ётган қари олапар эгасига кўмакка отлан-*

ди-ю, қоқ яғринига Маматқассобнинг калтагини еб, вангиллаганича жуфтакни ростлади. «Ёшлик».

ОЛАПЕС 1 Баданида оқ доғлари бўлган; пес.

2 Туси айниб, ола-була бўлиб қолган. *Самоварчи жўмраги учига жез қопланган чойнакни ва бир олапес пиёлани йигитнинг олдига дўқ этиб қўйиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛАПЕСЛАНМОҚ Ранги айниб, олапес тусга кирмоқ, олапес бўлиб қолмоқ. *Оёқларида эскириб, олапесланган амиркон маҳси, йиртиқ калиш.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ОЛАПОПИШ *шв.* Попишак.

ОЛАПОПИШАК *айн.* **попишак.** *Юмронқозиқ ини оғзида, тупроқ уюми устида ўтирган олапопишак гажагини елпиғичдек ёзиб, тупроқни чўқилайди.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли.

ОЛАПЎЧОҚ Қовуннинг тўқ сариқ тусли, шакли чўзиқ тухумсимон, кечпишар тури. *Олапўчоқ қишда асрашга ва узоқ жойларга олиб боришга яроқли.* «ЎзМЭ».

ОЛАРМОН *айн.* **олғир.**

ОЛАСИ Кимсадан олиниши, ундирилиши керак бўлган нарса; ҳақ. *Хўжайиннинг учтўртта қўшни деҳқонлардан оласи бор экан, менга чўтни қўлтиқлатиб олдилар, орқаларидан эргашиб юрдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Юринг бўлмаса, Холдорхонникига, хўжайин, Қоракўзда ҳам жиндак оласим бор.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

ОЛАСИ-БЕРАСИ 1 Икки орада ўтишган нарса; ҳақ.

2 Олди-берди муомаласи.

ОЛАТ [*а.* آلت – асбоб, жиҳоз] *кт. айн.* **асбоб.** *Физик олат.* ▬ *Пўлат отлар, соз олатлар Юборди сенга.* Миртемир.

ОЛАТАРОҚ Ола-була, оқ-қора, ранго-ранг. *Эндигина ранг солаётган баркаш нондек, олатароқ тоғлар ортидан қуёш кўтарилмоқда эди.* Ў. Умарбеков, Баҳор нафаси. *Ҳар кетмон урганда, нами қочиб, олатароқ бўлиб қолган ердан енгил чанг кўтарилади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЛАТАСИР Бетартиб тасир-тусир товуш; бетартиб иш ва ш.к. ҳақида. *Олатасир отишма.* ▬ *Халқ қўрғонни мустаҳкамлашга киришди. Олатасир иш бошланди.* Ойбек, Навоий. *Тўйимиз бошланди. Нима бўлди-ю, олатасир қий-чув бўлиб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ташқари олатасир қий-чув бўлиб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ташқари олатасир бўлиб кетди: кимдир югуриб ўтди, кимдир додлади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЛАТЎЗОН *айн.* **чанг-тўзон.** *Гирдоб раққосадек чирпирак бўлиб айланиб келиб, ўтиб кетди-ю, саксовулзорда олатўзон бошланди.* М. Мансуров, Ёмби.

ОЛАТЎПОЛОН Тартибсиз тўполон, ғала-ғовур, қий-чув, тартибсизлик. *Олатўполон бошланди.* ▬ *Ҳаким ва Шерюрак иккови олатўполон ичига кириб келишди.* Мирмуҳсин, Темир Малик.

ОЛАТЎҒАНОҚ Чумчуқсимонлар туркумининг қарқуноқлар уруғига мансуб йиртқич қуш. *-Астробод осмон бўлса, Маймана қаро ер, — деди Бадиуззамон, — Ҳе, лочинни олатўғаноққа алмаштириб бўларми?* М. Осим, Карвон йўлларида.

ОЛАЧА 1 Ингичка йўлли, одатда пахта ипидан, баъзан ип ва ипакдан тўқиладиган мато. *Бир кийимлик олача. Олача қоп.* ▬ *Ун солинган олача бўз халта ҳам оғзи очиқлигича қолиб кетаверибди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *Эрали бошида янгича гилам дўппи, эгнида оҳорли олача тўн кийиб келган эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 *айн.* **ола-була 1.** *Олача қовун.*

ОЛАЧАЛПОҚ 1 Дарахт барглари оралаб тушган парча-парча офтоб, ойдин ёки кўланка. *Олачалпоқ соя.* ▬ *Хиёбондаги дарахтлар орасида олачалпоқ ойдин кезади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Сутдай ойдин.. Ўн тўрт кунлик ой тераклар орасидан мўралаб, ҳамма ёққа олачалпоқ кўланка ташлаб турар эди.* Ғайратий, Довдираш.

2 Бир текис эмас; у ер-бу ерда, парча-пурча. *Олачалпоқ булутлар. Даштнинг у ер-бу ерида олачалпоқ қор пағалари.* ▬ *Одам бўйи ўсган олачалпоқ маккажўхорининг сўлинқираган нимжон барглари сарғайиб, осилиб ётарди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ОЛАЧИПОР Оқ доғлари бор; чипор. *Олачипор илон. Олачипор товуқ.* ▬ *Пастда, полда олачипор пақир билан примус турарди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Узоқда, сувни.. жимирлатмасдан, секин ва майин сузган оқ, олачипор ўрдаклар ҳар томонга илдам қочишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛАЧИҚ *кт.* Капа, чайла. *Ҳув бир қатор тўрт олачиқ, беш капа. Бу қишлоқнинг бошланғич бинолари.* Ғ. Ғулом.

ОЛАШАҚШАҚ Қарғанинг бир тури. *Дала эпкинидан бир-бирига суйкалиб, сирли шивирлаган қиёқзорларда овозинг ўчкур олашақшақ учади.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Хотин-халажнинг энг олижанобли ҳам олашақшақдай, ялтироқ нарсага ўч бўлади.*С. Нуров, Нарвон.

ОЛАШОВУР 1: олашовур ёмғир Сийрак, аммо катта-катта, тасир-тусур ёққан ёмғир. *Шу вақтда сийрак булутлардан олашовур ёмғир қуйиб ўтди.* Ойбек, Навоий. **Олашовур қор** Ёмғир аралаш ёққан қор. *Атроф олашовур ёққан қор билан қопланган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Тўполончи, шўх, тартибсиз. *Кампир буви билан Нафисахон бир-бирларига қарашди: «Мана, кўрдингми? Бу олашовур қизингнинг ишларига тушуниб бўлмайди.»* Мирмуҳсин, Умид.

Олашовур бўлмоқ Шовқин-сурон бўлмоқ.

ОЛАҚАНОТ 1 Ёввойи ўрдакларнинг бир тури.

2 Чумчуқсимонларнинг бир тури. *Дарахтларда чумчуқ, олақанот, қалдирғоч ва бошқа хил қушлар чуғурлашди, мусича кукулади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ОЛАҚАРОҚ I **1** Яккам-дуккам, ола-қура, сийрак, чала. *Унинг [Тўлаганнинг] культивация қилган ғўзаларида олақароқ жойлари учрамайди.* Ҳ. Назир, Механизатор Тўлаган.

2 *с.т.* Олазарак. *Атрофга олақароқ кўз югуртирмоқ.* ▬ *[Арслонқул] Гўё ундан бошқа ҳеч ким Навоийни огоҳлантириши мумкин эмас каби, олақароқ бўлиб, шоирни қидирди.* Ойбек, Навоий.

ОЛАҚАРОҚ II От ва молларда бўладиган бир турли мия касаллиги. *Хоса тулпор бир ерда туриб қолса, олақароқ бўлиб қотиб қолар эди.* Гўрўғлининг туғилиши.

ОЛАҚАРҒА Чумчуқсимонлар туркумининг қарғалар оиласига мансуб, қора ва кулранг патли қарға. *Том бўғотлари ва тарновлардан узун-узун сариқ сумалаклар чўзилишган. Ўқтин-ўқтин шум олақарғаларнинг қутуриб қағиллашлари эшитиларди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОЛАҚОН Қамчи ўримининг даста билан бириккан жойи.

ОЛАҚОРОНҒИ Бир томонига ёруғ тушиб турган, бошқа ерлари қоронғи, ярим қоронғи. *Алмисоқдан бери ерда, захда ўтириб.. олақоронғи хонада ўқиб келган авлод бирданига оппоқ, ёруғ, тоза хонада, тахталардан қилинган ўриндиқларда ўтириб ўқишса-я, бу ҳурматни ким кўрган, ким эшитган.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОЛА-ҚУРА Турли тусдаги, ола-була. *Тонг азон бўлишига қарамасдан, бир тўда оч ола-қура итларни эргаштириб, эски каппон томондан Малла жинни жавраб келар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ОЛА-ҚУРОҚ 1 Турли тусдаги латта парчалари, лахтаклардан улаб тикилган; қуроқ. *Ола қуроқ пахтали тўнлар елкадан тушган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Жануб сувлари, тошқин сойи, кўм-кўк дарахтлари, қалandarларнинг чопонига ўхшаш ола-қуроқ экинлари, қори эримаган баланд тоғлари билан.. одамни ҳайратга солади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 *кўчма* Турли парчалардан улаб-қураб, бир бутун ҳолга келтирилган; қурама. *Қишлоққа келадиган кўчма кинонинг уқувсиз механиклари узиб ташлаган ямоқ ленталардан йиғиб, ола-қуроқ кинофильм қилган эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

3 *кўчма* Узуқ-юлуқ, маромига етмаган. *Унинг миясида ола-қуроқ мулоҳазалар қоришиб кетди.* «Шарқ юлдузи».

4 *кўчма* Ёши, касби, билими ва ш.к. жиҳатидан ҳар хил, турли-туман. *Иш юришмади, ўзи сафарбар қилиб келган турли касбдаги ола-қуроқ ёшлар уни хуш кўришмади.* А. Мухтор, Туғилиш.

5 *айн.* **олақароқ** I **1.** *Экинлар ола-қуроқ чиқибди.* ▬ *Ҳадемай эгатлар ола-қуроқ бўлиб қолади.* «Ёшлик».

ОЛАҒОВУР Бир-бирига қовушмаган, тартибсиз гап; ғовур-ғувур, қий-чув. *Ботирали кириши билан нотиқ гапдан тўхтади, олағовур ҳам тинди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Олағовур қўпормоқ Шов-шув, тўполон солмоқ. *Мана шу гап устида ерсизлар олағовур қўпормоқчи, мулла Обидни ўз ичларидан тамоман четга чиқариб ташламоқчи бўладилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Нотинч; шов-шувли. *Бегматжон, замон олағовур, ит ҳам, бит ҳам закунчи. Шунақа қалтис пайтда Фармонга, хўжакўрсинга бўлса ҳам, қаттиқроқ чора кўрмасангиз, анави «ёзувчи»лар тинчимас, деб қўрқаман.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ОЛАҒОН *айн.* **олғир.**

ОЛАҲАККА *шв.* Зағизғон. *Ултонтозининг энаси Бодом бикачнинг тилини олаҳакка чўқиб, соқовроқ бўлиб қолган эди.* «Алпомиш».

ОЛВОЛИ [*ф.* آلوبالو – олча] *шв.* Олча; олхўри.

ОЛД 1 Нарсаларнинг кузатувчига қараган қисми; пеш, юз. *Бинонинг олдига шиорлар осилган. Кўйлакнинг олди узунроқ бўлибди.* ▬ *От олд оёқларини ирғитиб сапчидида, шамолдек учиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Нарсаларнинг илгари томонидаги ёки қисмидаги жой, ўрин. *Уйнинг олдини супуриб, жой қилмоқ.* ▬ *Мастонга араванинг олдидан жой беришди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

3 (*3-ш. бирл. шаклда*) Бирор иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. дан олдин бўладиган, рўй берадиган, ўтказиладиган. *Байрам олди мусобақаси. Сайлов олди кампанияси.*

4 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к., ч.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (*қ.* **олдига, олдида, олдидан).**

Олдини олмоқ Хавф-хатарнинг юз беришидан илгари чорасини кўрмоқ; ёмон оқибатнинг юз беришига йўл қўймаслик. *Урушнинг олдини олмоқ.* ▬ *Хотиринг жам бўлсин, дўстим, балонинг олдини олдим.* Ойбек, Навоий. **Олд қўшимча** *айн.* **префикс. Тил олди товушлари** *тлш.* Тилнинг олд қисмида ҳосил бўладиган товушлар.

ОЛДДА *айн.* **олдинда.** *Олдда бормоқ. Олдда турган вазифалар.*

ОЛДДАН *айн.* **олдиндан.** *Келажакни олддан кўрмоқ. Пахта ҳосилини олддан ҳисоблаб чиқмоқ.*

ОЛДИ Бирор нарсанинг бошқалардан илгарида турган, олдинги вазиятни ишғол этган қисми, кишиларнинг энг олдингиси, сараси, кўзга кўрингани. *Энди Зайнаб бўйи етиб қолди. Юртимизнинг мана энг олди.* Ҳ. Олимжон.

2 Бирор иш ёки ҳолатнинг бошланиш арафаси, яқин етган пайти. *Уйқу олди. Қиш чиқар олди. Ёз олди.* ▬ *Ҳой, келинг! Олди ёз, деразаси қурилса бас-да, печкасиз ҳам уй ҳаммом бўлиб кетади.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

ОЛДИ-БЕРДИ 1 Бир-бировидан нарса олиб, нарса бериб туриш, бир-бировининг ҳожатини чиқариб туриш ва шу асосдаги муомала, алоқа. *Мулла Обид каби ўз олдига деҳқончилик қилмоқчи бўлган.. келгиндилар билан уларнинг кўпда олди-бердиси бўлмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *айн.* **олиқ-солиқ 2.** *-Тўйчиқнинг олдибердиси бир гап бўлар, – деди Эшон Сурхонбойга.* И. Раҳим, Тақдир.

3 Савдо-сотиқ, савдо муомаласи. *У [Тешабой] савдо-сотиқ, олди-берди масалаларида, яъни бирни ўн қилиш бобида икки онани эмган қув бузоқлардан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОЛДИГА *кўм. взф.* **1** Ҳузурига, ёнига, қошига. *Ўқитувчининг олдига бормоқ.* ▬ *Кўплашиб мактаб директорининг олдига киринглар, деб ўргатган бўлди.* «Ёшлик». *Низомжон унинг олдига жадал юриб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Олд томонига, олд томонидаги жойга. *Мактаб олдига гул экилди.*

Олдига тушмоқ Ўтиб кетмоқ, ўзмоқ. *Бу борада унинг олдига тушадиган одам йўқ.*

ОЛДИДА *кўм. взф.* **1** Ҳузурида, ёнида, қошида; кўз ўнгида. *Бу ишлар кўпчиликнинг олдида бўлди.* ▬ *Янги келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз.. Бутун звено олдида таъзир бериб, одам бўл, дедингиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У [мингбоши] кенг қилиб тикилган зар кимхоб тўн ичида йўғон гавдаси билан одамлар олдида савлат тўкиб турибди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Виждон олдида Виждонан. *Отабек ўзининг ёлғонлашидан виждон олдида қизаринди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нисбатан, қараганда. *Бу Ғуломжоннинг бояги ташвиши олдида ҳеч нима бўлмай қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Арафасида. *Бадал эса учинчи қаторни битириш олдида турибди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ОЛДИДАН *кўм. взф.* Илгари, олдин. *Чой олдидан. Уруш олдидан.* ▬ *Мансур хайрлашиш олдидан эшик ёнида туриб секингина: -Бир ёққа борсангиз, Зулайҳо опангизга айтиб кетинг, – деди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Олдидан ўтмоқ 1) бирор кимса ёки нарсанинг ёнидан, рўпарасидан ўтмоқ; 2) бирор иш ҳақида кимсанинг фикрини олмоқ, у билан маслаҳатлашмоқ. *Бу ишга қадам қўйишдан илгари, бир карра сизнинг олдингиздан ўтиб, раъйингизни билишга тўғри келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛДИ-КЕТИ Олд ва орқа томони, гир атрофи. *Ҳар қанча бой бўлмасин, олди-кети тўла набира бўлган чолга дуруст оила қиз берадими?* Ойбек, Танланган асарлар.

Олди-кетини ўйлаб Ҳар томонлама мулоҳаза қилиб, оқибатини ўйлаб, атрофлича фикр юритиб. *Олди-кетини ўйлаб иш тутмоқ.*

ОЛДИН 1 *рвш.* Олд томонда, олдинда; илгари. *У мендан олдин. Олдин турмоқ.* ▬ *Шу пайтда олдин кетаётган йўловчи ташийдиган автобус тўхтади.* С. Зуннунова, Олов.

2 Дастлаб, биринчи галда. *Қўрққан олдин мушт кўтарар.* Мақол. ▬ *У ёққа боргани ҳаммадан олдин бу янги ўқитувчиларнинг ўзлари уялишлари табиий эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўм. (ч.к. билан)* Муқаддам, илгари, аввал, бурун. *Овқатдан олдин. Сиз келмасдан олдин. Бундан бир йил олдин.* ▬ *Ундан олдин Тўланбой жавоб қилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЛДИНГА *рвш.* Олд томонга, олға, илгарига. *Мингбоши.. олдинга юрди, қўлидаги қамчинни ўқталиб, хунук овоз билан ўкирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *[Гулнор] Орқага қайтиш-қайтмаслик тўғрисида бир лаҳза ўйлаб, кейин олдинга қараб юрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛДИНГИ 1 Бошқаларга нисбатан олдинда, илгарида турган, олд томондаги; олд томонда жойлашган. *Олдинги қатор. Бинонинг олдинги хонаси.* ▬ *Қисм қоронғи тушгунча, душманни олдинги окоплардан суриб чиқарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Нигора Қоплонга қаради: ит тумшуғини олдинги оёқлари орасига олиб, бемалол мудраб ётибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қирмизхон тушаётиб, олдинги ўриндиқдаги тугунни олди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Илгари бўлиб ўтган; аввалги, бурунги. *Тарихдан олдинги давр. Олдинги тўрт йил ичида эришилган муваффақиятлар.* ▬ *Салимжон бундан бир неча йил олдинги қизиқарли воқеаларни эслатиб, даврага илиқлик киритди.* «Шарқ юлдузи».

3 *кўчма* Бирор ишда ҳаммадан олдинда борувчи; пешқадам. *Мамлакатимизнинг олдинги кишилари.* ▬ *Мирзакаримбой Тошкентнинг энг олдинги бойларидан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛДИНДА *рвш.* **1** Илгари томонда; олдда. *Олдинда йўл йўқ.* ▬ *Кўзимизни очиб қарасак, ҳақиқий синовлар ҳали олдинда экан.* Газетадан.

2 Ҳаммадан илгарида, биринчи ўринда, биринчи сафда. *Ишда, ўқишда бошқалардан олдинда бормоқ.* ▬ *Дўнан полвон билан Тожимат Хидиров қурилиш бўйича энг олдинда боришарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЛДИНДАГИ Олдинда турган; олдинда борувчи. *Олдиндаги бола.* ▬ *Қози қўлидаги ҳассаси билан олдиндаги столни тўқ этказиб урди-ю: -Йўқол! Йўқол ҳамманг буёндан, — деб қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Олдиндаги аёл ялт этиб унга бир қаради-ю, яна орқасини ўгириб олди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЛДИНДАН *рвш.* Бирор иш, воқеа-ҳодиса бошланмасдан, рўй бермасдан илгари. *Об-ҳавони олдиндан айтиб бермоқ. Бўладиган ишни олдиндан кўрмоқ.* ▬ *Совхозда қоладиган бўлсак, икки ойлик маошни иккովимизга олдиндан берармиш.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЛДИНИГА *рвш.* Аввал бошда, дастлаб. *Қўрага етиб келганида, баданидаги ланжлик кучайди. Қўл-оёқлари зирқираб оғриди. Олдинига, ўтиб кетар, деб эътибор қилмади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ОЛДИН-КЕЙИН *айн.* **олдинма-кейин.**

ОЛДИН-КЕТИН *айн.* **олдинма-кейин.** *Олдин-кетин бормоқ.* ▬ *Мана, узоқда бомбалар олдин-кетин портлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ОЛДИНЛАМОҚ Олдинга томон босмоқ, бормоқ, юрмоқ; илгариламоқ. *Азизбек.. қамчисини кўкрагига кўндаланг қўйиб, боши билан жавоб ишораси бериб олдинлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛДИНМА-КЕЙИН *рвш.* Бирин-кетин, кетма-кет, бири кетидан бошқаси. *Меҳмонлар олдинма-кейин кириб келишди.* ▬ *Прагер яна хотира дафтарчасини варақлади-да, олдинма-кейин экилган буғдойларнинг ўсишидаги фарқни кўрсатиб берди.* Н. Сафаров, Дон.

ОЛДИНМА-КЕТИН *айн.* **олдинма-кейин.** *Тилла тепаликнинг ярмига ҳам етмади, бола елкасидан ағдарилиб, иккови олдинма-кетин пастга қараб думалади.* «Ёшлик». *Улар олдинма-кетин юриб, идорага кирадилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ОЛДИ-ОРТИ *айн.* **олди-кети.**

Олди-ортига қарамай Кетини ўйламай, суриштирмай; пала-партиш. *Олди-ортига қарамай иш қилмоқ.* ▬ *Одамлар олди-ортига қарамаяпти.. ишқилиб, охири бахайр бўлсин.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

ОЛДИ-ОРҚАСИ 1 Олди ва орқа томони, атрофи. *Олди-орқасига қараб қўймоқ. Олди-орқаси баравар қизариб пишган нон.* ▬ *Мирзакаримбой нақшкор меҳмонхонада атлас кўрпачалар тўшалган танчада олди-орқаси тўла ёстиқ ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор нарсанинг ўнг ва терс томони, орқа-олди. *Гиламнинг олди-орқаси.*

Олди-орқасини ўйлаб иш тутмоқ Чуқур мулоҳаза юритиб иш қилмоқ, ўйлаб иш қилмоқ. *Акрам қилни қирқ ёрган эсли йигитлардан эмасми, олди-орқасини ўйлаб боқса, келажаги хавф остида қоладиганга ўхшаб кўринди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ОЛДИРМОҚ Олмоқ фл. орт. н. *Соч олдирмоқ. Тиш олдирмоқ.* ▬ *Моҳира ойим ҳар бир ҳайитда бирор ойлар илгари эрига айтиб, болаларига кийимлик олдирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Олинг, олдирманг Муваффақият тилаш ибораси. *Худо ҳаммангизга қувват берсин! Олинглар, олдирманглар! Омин!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Оғиздагини (***ёки* **оғиздаги ошни) олдирмоқ** Қўлдан чиқармоқ, бой бермоқ. *Ақлсиз оғзидагини олдирар.* Мақол. ▬ *Ёрмат уни [Йўлчини] одамлар олдида бўшбаёвликда айблади: -Бу нима, оғиздаги ошни олдириш? — деди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Юрак олдирмоқ** Қўрқиб қолмоқ, чўчиб қолмоқ. *Мадамин юрагини олдириб, ўз кўланкасидан қўрқадиган бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўзини олдирмоқ** Ориқлаб, этдан тушиб қолмоқ. *-Сиқилманг, асло сиқилманг, хоним.. Акс ҳолда, ўзингизни олдириб қўясиз, — деди Ҳамдамий Мунавварга.* С. Анорбоев, Меҳр. *Палончининг хотини ҳалиям ўзини олдирмабди, деса ёмонми?* С. Аҳмад, Юлдуз. **Ўт олдирмоқ** 1) ўт ёқмоқ. *Юк машинасида олиб келинган самоварлар туширилди, қутида олиб келинган ўтин-кўмирлар бирпасда қаланиб ўт олдирилди.* С. Аҳмад, Жимжитлик; 2) *с.т.* моторни ишга туширмоқ. *Тракторни ўт олдирмоқ.* ▬ *Моторни ўт олдирди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЛДИ-СОТДИ 1 Нарса, мол олиш ва сотиш, савдо муомаласи; савдо. *Олди-сотди қилмоқ.* ▬ *Ноиб жанобларининг ясовуллари ҳайҳайлашиб, омади юришмай, олди-сотдисини тугатолмай қолган бозорчиларни ҳам ҳайдаб келмоқдалар.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Кўргазма давомида тадбиркорлар ўзаро шериклик битимларини тузишлари, олди-сотди шартномаларини имзолашлари ҳам мумкин..* Газетадан.

2 *ҳуқ.* Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида кенг тарқалган, асосий вазифаси товар-пул алмашинувини амалга оширишдан иборат шартнома.

ОЛДИ-ҚОЧДИ *с.т.* Хаёлий нарсалардан иборат, уйдирма, ёлғон-яшиқ. *Олди-қочди хабарлар.* ▬ *[Акрам] Мен нима деяпман ахир? ..олим одамнинг шунақа олди-қочди гапларга учиб юрганига биз ҳам ҳайронмиз-да, отахон!* О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. *-Энди, жўра, буларнинг бариси олди-қочди гаплар, — деди Самад.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОЛД-ОРҚА Олд ва орқа томон; атроф. *Олд-орқангга қараб юр!*

ОЛИБСОТАР Арзонга мол олиб, қимматга сотувчи, майда савдогар. *Пахта суврати солинган чинни идишлар олибсотарларнинг уйида қалашиб ётса.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

ОЛИБСОТАРЛИК 1 Арзонга мол олиб, қимматга сотишлик ва шу иш билан шуғулланиш. *Зебо хола унча-мунча бозорга айланиб туради. Олибсотарлик қилмайди.* Газетадан.

ОЛИГАРХИЯ [*юн.* oligarchia — озчилик ҳокимияти] Давлат бошқаруви шакли; кичик бир гуруҳга бирлашган шахсларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги; шу ҳукмрон гуруҳнинг ўзи.

ОЛИГОПОЛИЯ [*юн.* oligos — оз, кам + poleo — сотаман] Бозорни ташкил этиш шаклларидан бири; бунда бир қанча йирик фирма ва компаниялар норасмий келишувлар асосида асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва сотишни назорат қилиб туради. *Монополия каби олигополия ҳам номукаммал рақобат кўриниши ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

ОЛИЙ [*а.* عالی — юқори, юксак, баланд] **1** Мавқеи, мартабаси, раҳбарлик роли ва

ш.к. жиҳатидан энг юқори; бош. *Олий Мажлис. Олий суд. Олий бош қўмондон.* ▬ *30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси ўз ишини давом эттирди.* Газетадан.

Жаноби олийлари 1) *эск.* олий табақага мансуб ёки олий мансабга эга бўлган киши (подшоҳ, хон, амир, бек ва ш.к.) ва уларнинг номини улуғлаб айтиладиган мурожаат шакли. -*Эрта билан жаноби олийга ариза ва совринимизни тортиқ қилгандан кейин, агар рухсати олий бўлса, сўнгра савдога киришармиз, — деди карвонбоши.* С. Айний, Қуллар. *Зоти олийларига подшоҳ ҳазратларининг илтифотлари баланд эмиш.* Ойбек, Навоий; 2) ҳозирда: олий даражадаги ёзишмаларда ҳукумат ёки давлат бошлиғига ҳурмат юзасидан бевосита ёки унинг номига қўшган ҳолда мурожаат шакли. *Президент жаноби олийлари. Бош вазир жаноби олийлари.* **Фармони (***ёки* **амри) олий** *ёки* **олий фармон** Энг юқори ташкилот, давлат органи ёки бошлиқнинг фармони. *[Салимбойвачча:] Хўш, айтинг-чи, подшонинг мардикор олишига нима дейсиз? Мана, фармони олий чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сифат жиҳатидан энг юқори, энг яхши. *Олий нав. Олий сифат.* ▬ *Боғда ҳовуз бўйига шинам шийпонларга ёзилган дастурхонлар ёзилганича, беш юлдузли олий нав коньяклар очилганича, сўйилган бўрдоқилар сўйилганича қолиб кетди.* О. Ёқубов, Диёнат.

3 Энг юқори даражали, энг юқори, юксак. *Олий мақсад.* ▬ *Ўзбек адабиёти ҳақиқатан ҳар жиҳатдан баркамол, таҳсинга лойиқ, халқимизнинг олий мақсади учун курашда катта куч бўлиб қолди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

4 Тараққиётнинг энг юқори даражасига эришган, баркамол. *Ташкилотнинг олий формаси.*

5 Таълим тизимидаги юқори босқич. *Олий ўқув юрти.* ▬ *Баъзан олий маълумотли кишилар ўз таржимаи ҳолларини бир вараққина ёзиб беришга оғринадилар.* Шукрулло, Сайланма.

6 Энг кучли, энг юқори. *Сирасини айтганда, мавсум бошидаёқ олий лигага берилаётган қўш йўлланмадан бирини қўлга киритиш осон бўлмаслиги кўзга ташланмоқда.* Газетадан.

7 Юқори, мураккаб. *Олий математика.*

8 Юқори, сўнгги. *Олий жазо.*

ОЛИЙЖАНОБ [*а.* عالی‌جناب — улуғ, юксак мартабали афанди, тақсир, жаноб] **1** Юқори даражада одобли, хулқ-атвори, одамгарчилиги жуда баланд; улуғ, асл. *Умид, сен олийжаноб, оқила бир қизнинг муҳаббатини оёғости қилдинг, сен бу аламни ўлгунингча тортасан.* Мирмуҳсин, Умид. *Яхшиларга эргашган муродга етади. Деганларки, олийжаноб одамлар ҳар қачон йўлдошимиз бўлади.* Газетадан. *Ўз ҳамқишлоқларимиз, ҳамшаҳарларимизнинг нақадар ажойиб, одамохун, олийжаноб, дилкашлигини бошқа юрт халқлари билан мулоқотда бўлганингиздан кейин янада яхшироқ тушунаркансиз.* Газетадан.

2 Юқори даражада ҳимматли, олийҳиммат, ҳиммати баланд. *Раисимиз жуда олийжаноб одам, эшитгандирсиз, ёрдам бериб турадилар.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

3 Жуда яхши, мисли йўқ. *Олийжаноб уй.*

4 Эзгу, эзгули. *Олийжаноб гап. Олийжаноб касб. Олийжаноб иш.* ▬ *У одамликнинг энг олийжаноб, энг юксак, энг ширин хислаларидан маҳрум бўлади.* С. Зуннунова, Олов. *Нодирнинг хаёлига олийжаноб бир фикр келди.* «Шарқ юлдузи».

ОЛИЙЖАНОБЛИК Олийжаноб хусусиятларга эгалик. -*Бу йиртқичларнинг даҳшатли гуноҳларидан кечиш учун ҳам юрак керак, олийжаноблик керак, — деди кекса солдат.* А. Мухтор, Асарлар. *Ҳаётда шундай яхши одамлар борки, уларнинг олийжаноблигига, камтарлиги ва кишиларга беминнат хизмат қилишларига чин дилдан таҳсин айтгинг келади.* Газетадан.

ОЛИЙМАҚОМ [*а.* عالی‌مقام — юксак мартабали, юқори даражали] Юқори даражали, юксак. *Ошнога ошно бўлсам, олиймақом рағбатлар олсам, мен ўзимнинг ҳам Яхшибоевга айланишим муқаррар бўлиб туюлади.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОЛИЙҲИММАТ [*а.* عالی‌همّت] Ҳиммати баланд, кимсага ҳимматини, яхшиликни аямайдиган; саховатли. *Олийҳиммат одам.* ▬ *Шариф ака Нодирбек сингари хорижда даволанишга муҳтож уч кишига амалий ёрдам бериб, ўзининг саховатпеша, олийҳиммат инсон эканлигини яна бир бор исботлади.* Газетадан.

ОЛИМ [*а.* عالم — билимли, илмли, доно; маълумотли] **1** Фаннинг бирор соҳаси бў-

йича махсус билимга эга бўлган киши. *Ўзбекистон олимлари. Ёш олим. Тилшунос олим.*

2 Умуман, билимли киши. *Олим бўлсанг, олам сеники.* Мақол. *Оз-оздан ўрганиб, олим бўлур.* Мақол. ▬ *Афлотун ҳам, Арасту ҳам замонасининг кўп доно, кўп ақлли олимлари бўлган, шубҳасиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Олим (эркаклар исми).

ОЛИМА [*а.* عالمه] **1** Олим аёл. *Гулчеҳра опа иқтидорли олима бўлгани учун ҳам ўн икки илмий иш яратишга ва иккита муаллифлик гувоҳномасини олишга муяссар бўлди.* Газетадан.

2 Олима (хотин-қизлар исми).

ОЛИМЛАРЧА *айн.* **олимона.** *Олимларча айтилган гап.*

ОЛИМЛИК Олимга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Фақат ҳамма тан олган шоирларни тан олиш, фақат обрўга эга бўлганларнинг шеърларига тушуниш олимлик эмас,* Шукрулло, Сайланма.

ОЛИМНАМО [*а.* + *ф.* عالمنما – сохта олим] Олимга ўхшаган, олим кўринишидаги. *Меҳмонлар орасида тор пешонали, жингалак оқ сочлари, бироқ қошлари юзига улуғворлик бахш этган олимнамо киши бор эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОЛИМОНА [*а.*+ *ф.* عالمانه – оқилона, донолик билан, олимларча] *рвш.* Олимлар каби, олимларга хос бир йўсинда, олимларча. *Олимона кўриниш. Олимона мулоҳаза юритмоқ.* ▬ *Мен чашначиман. Ишим оғир, масъулиятли, олимона қунт, заргарона маҳорат талаб қилади.* «Фан ва турмуш».

ОЛИМПИАДА [*юн.* Olympias, Olympiados – Юнонистонда Олимпия шаҳрида Зевс (олий маъбуд) шарафига ҳар тўрт йилда ўтказиладиган тантанали байрам ва спорт мусобақалари; ана шу тўрт йиллик давр] **1** Халқаро олимпиада қўмитаси томонидан ҳар тўрт йилда ўтказиладиган йирик халқаро замонавий спорт мусобақалари, олимпиада ўйинлари.

Олимпиада (*ёки* **Олимпия) ўйинлари** 1) Юнонистонда умумхалқ байрами ва мусобақалари (2 ғилдиракли аравада тез юриш, бешкураш, муштлашиш мусобақалари, санъат танлови); 2) Юнонистоннинг Олимпиада ўйинларини эслатувчи жаҳон спорт мусобақалари.

2 Ўқувчилар, талабаларнинг бирор фан ёки санъат соҳаси бўйича мусобақаси, билимларини синаш бўйича танлов. *Математика бўйича олимпиада.* ▬ *Бизнинг тўгарак район олимпиадасида биринчи ўринни олган! – деди.. Муҳаббат.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Студентлар бу талабларни яхши тушунишди ва олимпиадага йил бўйи тайёргарлик кўришди.* «Фан ва турмуш».

ОЛИС 1 Бирор ердан узоқда, йироқда бўлган. *Олис жой. Олис қишлоқ.* ▬ *Ахир бундан ўн беш кун илгари Умид юк машинасида Мирзачўлдаги олис совхозга чиқиб келди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ўспиринлар, олис манзилни кўзлаган сайёҳлардай, сафарга пухта ҳозирланган эдилар.* «Ёшлик». *Олис бир қишлоқдан келиб, мураккаб санъат йўлини тутиб, уни пухта эгаллашнинг ўзи катта жасорат.* Газетадан.

2 Узоқ давом этадиган; давомли, узоқ. *Олис йўл. Олис сафар.* ▬ *Йўллар азоби энди унутилди, деганда яна олис сафарга жўнатиб юборишмоқчи.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 Ўтмишдаги, қадимги. *Лекин танимизда кезар-ку, бешак, Олис боболарнинг минг йиллик қони.* А. Орипов, Йиллар армони.

Олисни кўзламоқ Узоқ келажакда, охирида бўладиган ишни кўзламоқ, охирини ўйламоқ. *[Зикриё қори:] Эшон олисни кўзлайди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ОЛИСДА *рвш.* Узоқда, йироқда. *Олисда адирлардаги нефть вишкаларида чироқлар йилтирайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ОЛИСДАГИ Узоқдаги, йироқдаги. *Олисдаги қариндошдан яқиндаги ёт яхши.* Мақол.

ОЛИСДАН *рвш.* Узоқдан, йироқдан. *Олисдан гумбурлаб тўп овози эшитилди.* ▬ *Олисдан осмонга интилган қизғиш нур борган сари авжланарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Олисдан келмоқ *ёки* **гапни олисдан бошламоқ** Гапни узоқдан келтириб, батафсил, даромади билан бошламоқ. *Комил гапни олисдан бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОЛИСЛАМОҚ 1 Бирор ердан узоқлашмоқ, йироқ кетиб қолмоқ. *Отлиқ олислаб кетди.* ▬ *Саид бугун яна шу киши келар экан-да, дея минғиллаб, ичида сўкинди-да, улардан олислади.* «Ёшлик».

2 Узоқ вақт тутилиб қолмоқ, ҳаялламоқ. *Кўп олислама, тез қайт.*

ОЛИСЛАШМОҚ Олисламоқ фл. бирг. ва ўзл. н. *Биз шаҳардан анча олислашдик.*

Самолёт аэродромдан анча олислашди. Йўл олислашиб қолди.

ОЛИСЛИК Узоқлик, йироқлик. *Мен ҳам қарши эмасман-у, бир томони — ёлғизлик, яна бир томони — шаҳарнинг олислиги.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мухтасар янги уй қуриб олгач, эски уйи қошидаги оғилхона олислик қилиб қолди.* «Саодат».

ОЛИС-ЯҚИН Узоқ-яқин, йироқ-ёвуқ. *Клуб олис-яқиндан келганлар билан тўлди.* ▬ *Уни кўргани олис-яқиндан қариндош-уруғ, ёр-биродарлари келишди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ОЛИФТА 1 Кийимига ва ўзига зеб берувчи; сатанг, башанг. *Олифта йигит.* ▬ *Сочини иккита қилиб ўриб олган, икки чеккасига гажак қўйган бу олифта жувон тугунини сўрига ташлаб, бир уҳ тортиб олгач, Салимга қараб бақрайиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай кишилар учун мос, сатангларга хос. *Олифта кийим. Олифта кийинмоқ.* ▬ *[Салимбойвачча] Олифта тикилган қора мовут чакмонга ўралиб, бир қўлида зонтик ушлаб, ҳеч қаёққа назар ташламай, гердайиб келади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛИФТАГАРЧИЛИК *салб.* Олифталарга хос хатти-ҳаракат, юриш-туриш, қилиқ. *-Қаернинг ҳандалаги, амаки? — деди олифтагарчилик қилиб.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЛИФТАЛИК *айн.* **олифтагарчилик.** *Биров жиғимга тегса аямайман. Сизга биров олифтагарчилик қилса, менга рўпара қилинг.* «Ёшлик». *[Салимбойвачча] Чўнтагидан арзон папиросни чиқариб, бойваччага тутди ва ўзи ҳам олифталик билан лабига қистирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛИШ-БЕРИШ *айн.* **олди-берди.**

ОЛИШИШ 1 Олишмоқ фл. ҳар. н. *Бел олишиш. Яккама-якка олишиш. Фикр олишиш.*

2 Даҳанаки жанг, жанжал, олишув.

ОЛИШМОҚ 1 Олмоқ фл. бирг. н. *Фикр олишмоқ.* ▬ *[Ошдан] Емаган бўлсангиз, сиз ҳам олишинг, — деди бек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Уришмоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ; муштлашмоқ. *Қаҳҳор ва Озод олиша кетишди. Озод бир амаллаб унинг исканжасидан чиқаркан, қайта сўради: -Нима гап ўзи?* «Ёшлик».

Бел олишмоқ Курашмоқ, кураш тушмоқ, беллашмоқ. *Мен кўп давраларда бел олишганман.* С. Аҳмад, Уфқ. **Ёқа олишмоқ** Ёқасидан тутиб бўғишмоқ, уришмоқ.

3 *кўчма* Бирон-бир тўсиқни енгиш, уни бартараф этиш мақсадида тинимсиз ҳаракат қилмоқ. *Каналга келмаганлар пахта билан олишиб ётишибди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бутун халқ Конибодомдан Учқўрғонгача чўзилган қурилишда тиним билмай меҳнат қилар, ер билан, тошу шағаллар билан олишарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 *кўчма* Баҳслашмоқ, ҳақ-ҳуқуқ талашмоқ, тортишмоқ; бир-бирини енгиш учун тиришмоқ. *Ҳакимбойваччанинг яқин дўстларидан бир киши.. Мирзакаримбойга орқаворотдан тил текизганини эшитиб, у билан узоқ замон олишган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қудрат.. камбағаллар тарафини олиб, қишлоқ балохўрлари билан олишмаган кунини билмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Дон олишмоқ *қ.* **дон.** *Хотини автобусда қайтаётиб, «Эшқобил ферма сигир соғувчиси Ёрозгул билан дон олишиб юради», деган гапни эшитиб қолибди.* «Ёшлик». **Қўл олишмоқ** Келишмоқ, бир тўхтамга келмоқ. *Ҳар гал Мирвали Раҳимов билан учрашганда, қизиқчилик орасида, қўл олишганларини эслатиб қўярди. Раҳимов унга, сабр қилинг, деб қўярди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОЛИШ-СОТИШ *айн.* **олди-сотди.** *Олиш-сотиш ишлари. Олиш-сотишга уста одам.*

ОЛИШУВ Кураш, жанг, муштлашиш. *Тунлари жиноятчини қувишлар, аёзли кунларда дилдираб йўл пойлашлар, олишувлар.. ҳаммаси тушда кўргандек ўтади-кетади.* «Ёшлик». *Олишувга талабгор Турон Бурҳон ўғли!* «Шарқ юлдузи».

2 *айн.* **олишиш 2.**

ОЛИҚ-СОЛИҚ 1 *тар.* Юртдан, аҳолидан солиқ тариқасида олинадиган, тўпланадиган пул ва б. нарсалар. *Олиқ-солиқ тўплаш.* ▬ *Қайта ундай текинхўрлар бева-бечораларни кемирдилар. Қани, улар олиқ-солиқ билан қаноатлансалар ҳам гўрга эди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 *этн.* Қудалар орасида бир-бирига бериладиган нарсалар ҳақидаги музокара ва шу музокара натижасида йигит томондан қиз томонга бериладиган қалин ва б. *Тўйларимизда олиқ-солиқлар, олди-бердилар борган сайин кўпайиб боряпти.* Газетадан.

ОЛИҚ-СОТИҚ *айн.* **олди-сотди.** *Гоҳо ютқизишда, гоҳо ютуқда, Бир-бирин англарди*

олиқ-сотиқда. М. Шайхзода. *Ўғлим Тошкент билан Марғилон орасида қатнаб, олиқ-солиқ қиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛКИШЛАМОҚ 1 Итни итга ёки бирор кимсага тезламоқ, гижгижламоқ.

2 *кўчма* Кишиларни бир-бирига зидламоқ, уриштириш учун ундамоқ; тезламоқ, хезламоқ.

ОЛЛО(Ҳ) [*а.* أﷲ — илоҳий куч, худо] *дин. айн.* **аллоҳ.** *Темур, инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди.* «Фан ва турмуш». *Уруш қилай десанг, Оллоҳ на ҳожат, Топилар жаҳонда баҳона бисёр.* А. Орипов, Йиллар армони.

Ё олло(ҳ) *унд. с.* 1) таажжуб, ҳайрат билдиради; тавба. *У мулойим чеҳра билан жилмайди: -Ё оллоҳ, шундай одамлар ҳам бўлар эканми? — деди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) худога ёлвориш, сиғиниш ибораси. **Оллоҳу акбар** [*а.* أﷲ اكبر — оллоҳ буюк, улуғ] Овқатдан сўнг ёки йўлга кетиш олдидан ўқиладиган дуо-фотиҳанинг охирги ибораси. *Умумий «оллоҳу акбар» дан сўнг Ҳасанали отни йўлга солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛМА 1 Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик мевали дарахт. *Олма кўчати.* ▬ *Бу олмалар ҳосилга киргач, беш-олти йил ўтиши керак.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шу дарахтнинг меваси. *Оқ олма. Қизил олма.* ▬ *Жувон қўлидаги олмани устма-уст бир неча мартаба тишлади ва чала чайнаб ютди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Олма шарбати организмни бақувват қилади.* «Саодат».

Кекирдак олмаси *айн.* **қуштомоқ. Олма гули** 1) пушти ранг. *Олма гулли рўмол; 2*) олма гуллаган пайт, палла. *Тўйлари олма гулида бўлган эди.* **Олма чой** Олмақоқидан қовуриб тайёрланган чой. *Суви қочган нон, олма чой билан нонушта қилишаётганда Гадойбой пайдо бўлди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

ОЛМАЗОР Нуқул олма дарахти билан банд ер, майдон; олма боғи. *-Кўрдингларми, — деди Комилжон тўхтаб, — бу ер олмазор эди.* С. Зуннунова, Олмазор.

ОЛМА-КЕСАК: кўз(лар)и олма-кесак теради *с.т.* Бесаранжом бўлиб, ҳар ёққа қарайди, аланглайди. *Чол бесаранжом бўлиб, кўзи бежо, олма-кесак тера бошлади.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Собирнинг қийиқ кўзлари олма-кесак терар, лаблари асабий титраётганди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ОЛМАХОН Ўрмонда дарахтда яшовчи, узун бароқ думли кичкина кемирувчи ҳайвон.

ОЛМАҚОҚИ Кесиб қуритилган олма. *Дастурхонда туршак, олмақоқи, ёнғоқ, патир бўларди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Фронтга бор-йўғи уч марта борган у: икки марта агиттеатрда, бир марта олмақоқи ортилган эшелонни кузатиб..* М. М. Дўст, Лолазор.

ОЛМОН [*фр.* Alleman — немис] *эск.* Герман халқи, немислар.

ОЛМОС I [*т.* + *а.* آلماس — қимматбаҳо тош < *юн.* adamas — бузилмас, мустаҳкам] **1** Шаффоф, ялтироқ соф углероддан иборат ўта қаттиқ, қимматбаҳо тош (тарашлаб маълум шаклга келтирилгани «бриллиант» деб аталади). *Олмос ерда қолмас.* Мақол. ▬ *Табиатда мавжуд бўлган нодир тошлар ичида энг машҳури олмос ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай тош ўрнатилган кескич; олмосли кескич. *Олмос билан ойна кесмоқ.*

3 Олмосдан ясалган, олмос билан безатилган, зийнатланган. *Олмос қилич. Олмос зирак.*

4 *кўчма* Шундай тош сингари ўткир, кескир; қимматли, бебаҳо. *Инсон ақли — олмос.* Мақол. ▬ *Бу олмос сатрлар муаллифи буюк шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмудга қўйилган ёдгорлик қадимий Хоразм усталари қандай мўъжизавор санъат обидаларини яратишга қодир бўлганликларидан гувоҳлик бериб турибди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Куйла, созим, юрагим, шеърим, Бахт китобин қилгил тарона. Замирида ҳуқук, эрк, номус. Ҳар бир сатри олмос, дурдона.* Ғайратий.

ОЛМОС II Заҳарли, сариқ гулли ёввойи ўт; олмосўт.

ОЛМОШ *тлш.* От, сифат, сон ўрнида қўлланадиган сўз туркуми. *Кишилик олмоши. Кўрсатиш олмоши. Сўроқ олмоши.*

ОЛМОҚ 1 Нарсани ушлаб ёки бирор асбоб билан тутиб қўлга киритмоқ. *Ариқдан сув олмоқ.* ▬ *Саодатхон капалак ушлагандек эҳтиётлик билан қутичани қўлига олди.* С. Зуннунова, Олов. *Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўлчи кетмонни олиб, ишига жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бағрига олмоқ 1) ўз қучоғига олмоқ, қучоқламоқ. *Болани бағрига олиб, анча вақт йиғлади.* М. Маҳмудов, Булбулигўё; 2) *кўчма* ўз қарамоғига, паноҳига, ҳимоясига олиб ардоқламоқ. *Колхоз.. буларни хурсандлик билан ўз бағрига олар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қўлини олмоқ 1)** қўлидан ушламоқ. *Уста Олим Отабекнинг қўлини олиб сўрашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) келишмоқ, розилигини олмоқ. **Қўлтиғига олмоқ** 1) қўлтиғига қистирмоқ, қўлтиқламоқ; 2) *кўчма* ўз ёнига тортмоқ. *Ёрмат эса Йўлчини ўз қўлтиғига олиб, бошқаларга қарши қўйишни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қўлтиғидан олмоқ** Қўлтиғидан тутиб бормоқ ёки кўтармоқ. **Ҳиқилдоғидан олмоқ** Ҳиқилдоғидан, томоғидан бўғмоқ.

2 Қабул қилмоқ; ёлламоқ. *Ишга олмоқ. Болага энага олмоқ.*

3 Бўшатмоқ, бекор қилмоқ, туширмоқ. *Сизни бугундан бошлаб ишдан олдик.* ▬ *У аввалги директоримизнинг бошига туҳмат ёғдириб, ишдан олдирди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

4 Қирқиб, кесиб, тортиб, суғуриб чиқармоқ. *Тирноқ олмоқ. Қўйнинг жунини олмоқ. Соч олмоқ. Оёққа кирган тиканни олмоқ.* ▬ *[Али охун] Дўпписи ичига тўғналган игнани олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Ечмоқ, солмоқ. *Хотин бошидан жун рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

6 Туширмоқ, бўшатмоқ; холи қилмоқ. *Елкасидан юкини олмоқ. Машинадаги яшикларни олмоқ.* ▬ *Уста Олим отнинг жиловидан қўлини олиб, сўради..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Қўлга киритмоқ; эга бўлмоқ. *Даромад олмоқ. Пахтадан мўл ҳосил олдик.* ▬ *[Йўлчи] Икки ярим йил бойнинг бўйинтуруғини судради. Нима олди?* Ойбек, Танланган асарлар. *Феруза Йигиталиева шу олимпиадада бир йил биринчи ўринни олди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

8 Емоқ, емоқ-ичмоқ, тановул қилмоқ. *Ҳаммаси сизнинг тегишингиз, ҳеч кимга қараманг. Балиқни олинг!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

9 Ўзига сингдирмоқ, қабул этмоқ. *Рангни яхши оладиган ипак.*

10 Пайдо қилмоқ, ҳосил этмоқ, йиғмоқ. *Яра йиринг олибди. Ғўзалар кўсак олди.*

11 Айтмоқ, куйламоқ. *«Насруллойи», «Гиря» ол! Ибодхўжа, «Фиғон»ни ол!* Шукрулло, Сайланма. *Зўр қўшиқлардан биттасини ўрганиб, катта тўйда ўртага чиқиб, бир олайки.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

12 Уйланмоқ, хотин олмоқ. [*Зуҳра:*] *Ёш қизни олганинг бир сари, энди буни ўқишдан қўйиб, курортга олиб кетаётганинг нимаси?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

13 Харид қилмоқ. *Бу пальтони неча пулга олдингиз? Ҳовли олма — қўшни ол.* Мақол. ▬ *Анча нарса олдик.. Сенга бир жўра бекасам.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

14 Қўлга киритмоқ, қозонмоқ. *Обрў олмоқ. Эркинлик олмоқ. Дарсдан «аъло» баҳо олдим. Илмий даража олмоқ. Олқиш олган омондир, қарғиш олган ёмондир.* Мақол. ▬ *Ўн беш кунлик синовдан кейин тракторчи номини олдик.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

15 Кетказмоқ, йўқотмоқ. *Чаённинг заҳрини чаён олади.* Мақол. ▬ *Фотиҳадан кейин Офтоб ойим.. куёвга қатиқ олиб чиқди ва Отабекнинг ичмаганига ҳам қўймай, «ичингиз, йўл ғуборини оладир», деб қистай бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

16 Қопламоқ, чулғамоқ, ўрамоқ, тутмоқ. *Тўқайни ўт олган. Кабобнинг ҳиди бутун ҳовлини олди. Мени иситма олди.* ▬ *Сен бундан кетмайсан омон, Ўнгу сўлни олса туман.* «Ёдгор».

17 Эгалламоқ, ишғол қилмоқ, банд этмоқ. *Роял кўп жойни олди. «Гўрўғли келиб, фалон шаҳарни олибди, деса семириб, эшикдан ичкарига базўр кираман.* «Гулихиромон». *Можаро устига Фосиҳ афанди кириб қолди. У тўғри айвонга чиқиб, мингбошининг пинжидан жой олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

18 Қамаштирмоқ. *Тонг ёришиб, қамиш поялари офтоб тиғида лов-лов ёнаётганга ўхшаб кўзни олади.* С. Аҳмад, Уфқ.

19 Етакчи феъл сифатида от туркумидаги сўзлар билан бирикиб, қўшма феъл ясайди, мас., *амал олмоқ, авж олмоқ, аланга олмоқ, баҳра олмоқ, бош олмоқ, ёнини олмоқ, ёш олмоқ.*

Амал олмоқ Ўсмоқ, ривожланмоқ, юксалмоқ (ўсимликлар ҳақида). *Дарахтлар деярли ҳаммаси амал олиб, анча юксалиб қолган эди.* М. М. Дўст, Лолазор. **Бўйнига олмоқ** 1) иқрор бўлмоқ. *Бу шеърни ўқиган баъзи таниш-билишларим, қариликни бўйнига олиб қолибди-да, деб ўйлашлари мумкин.* Шук-

рулло, Сайланма; 2) зиммасига, ўз жавобгарлигига олмоқ. **Йиғим-теримни олмоқ** Экинларни ўриб, териб ҳосилни йиғиштирмоқ. *У.. йиғим-теримни олгандан кейин Фарҳодга кетиб, қиши билан ўша ерда қолиб кетди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Тескарисига олмоқ** *айн.* **аксига олмоқ** *қ.* **акс** I **2.** *Мен жўрттага баъзи гапларни тескарисига олиб кўрсам ҳам, у чурқ этмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юз олмоқ** *айн.* **юз тутмоқ** *қ.* **юз** I. *Кун баралла кўтарилиб, қиёмга юз олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қаламга олмоқ** Ёзмоқ, хатга туширмоқ. *Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам, ўша ўзимни зериктирган фаслни ташлаб ўтишга мажбур бўлдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қарши олмоқ** Кутмоқ, пешвоз чиқмоқ. *Меҳмонларни нон-туз билан қарши олишди.* Газетадан. **Қийиғига олмоқ** Аксини тутмоқ, акс иш қилмоқ. **Қўй оғзидан чўп олмаган** *қ.* **қўй.** *Бизнинг қишлоқда Ғофуржон деган қўй оғзидан чўп олмаган, бунинг устига ҳеч кими йўқ бир йигит бор эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

20 Равишдош шаклида бошқа феъллар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади, мас. *олиб бермоқ, олиб бормоқ, олиб келмоқ, ола билмоқ, ола бошламоқ, ола келмоқ. Узум сув олиб қолди.*

21 =и(б) аффиксли равишдошлар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади ва иш-ҳаракатнинг ўзи учун бажарилганлигини билдиради, мас. *билиб олмоқ, тортиб олмоқ, етиб олмоқ, йиғиб олмоқ, суғуриб олмоқ, ёза олмоқ, қила олмоқ.*

ОЛМУРУТ *шв.* Нокнинг майдароқ бир тури.

ОЛОВ 1 Юқори ҳароратда ёниб, нурланиб турган газ, аланга, ўт. *Олов ёқмоқ. Оловни ўчирмоқ. Қумғонни оловга қўймоқ. Оловнинг тиши йўқ, ҳўл-қуруқ билан иши йўқ.* Мақол.

2 Чўғ. *Танчанинг оловини очинг, тақсир, баданимда қалтироқ турди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *[Йўлчи] Бир қўлини қизнинг пешонасига қўйди: -Нақ оловдай.. – деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Иссиқлик, ҳарорат. *Қуёш олови.* ▬ *Қуёш осмондан олов қуйяпти.* С. Аҳмад, Таъзим. *Ҳувиллаган тундай ёлғизлик қурсин, Ёлғиз чақмоқтошдан чиқмайди олов.* Ч. Эргаш, Орзунинг оғир киприклари. *Йўлчи қуёшнинг олов селида чўмилиб, тўнка ковлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Ғайрати ичига сиғмайдиган, юрагида ўти бор, жўшқин. *Олов йигит.* ▬ *Синфнинг энг шўх, олов ўқувчиси Санжар бўлса, оғзини катта очганча, Ойша холага тикилиб қолди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Ўзиям десангиз, отинойиси, олов. На бир қўрқишни билади, на бир нарсадан тап тортишни.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

5 Жўшқин туйғу, ҳиссиёт. *Шунча тутқун бўлишига қарамасдан, бу қизнинг қалбига муҳаббат олови аллақачон тушган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Исфандиёрнинг инжиқ ва худбин кўнглида ўч олови ёнарди.* С. Сиёев, Аваз.

Икки олов орасида (*ёки* **ўртасида) қолмоқ** Жуда мушкул аҳволда, нима қиларини билмай қолмоқ. *Шўрлик асирлар икки олов орасида қолган эдилар: чиқмай десалар, мўғуллар орқаларидан санчар, чиқай десалар, мудофаачиларнинг ўқ ва найзасига санчилар эдилар.* М. Осим, Ўтрор. **Кесакдан олов чиққандай** Ғайрати йўқ, лоқайд одам кутилмаган бир иш қилганда айтиладиган ибора. **Олов кўзлар** Чарақлаб, ёниб турган кўзлар. *Ёш Ҳожия олов кўзларини чарақлатиб, Онахонга тикилган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Олов нафасли** Сўзи ўткир. *У айтган толлар қулапти, бош тиқмоқчи бўлган мактаб-маориф соҳасига тамоман янги одамлар, олов нафасли ёшлар келипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Уруш оловини ёқмоқ** Уруш чиқариш учун халқларни бир-бирига гижгижламоқ, уруш чиқармоқ, урушни бошлаб бермоқ.

ОЛОВБАРДОШЛИК Оловга чидамлилик. *Ушбу иншоот материалларнинг юқори температурадаги шароитда ишлатилишини, яъни оловбардошлик хусусиятини ҳисобга олиб бунёд этилди.* Газетадан.

ОЛОВДАЙ, =дек: оловдай кўринмоқ Яқин таниш кишидай иссиқ кўринмоқ.

ОЛОВДОН Сандал, самовар, печка ва ш.к. нинг олов турадиган жойи: ўтхона.

ОЛОВКУРАК Чўғ солиш ёки олиш учун ишлатиладиган қисқа дастали металл куракча: ўткурак; хокандоз. *Фотима қайтиб, қўлидаги оловкуракни ўчоқ олдига ирғитди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОЛОВЛАНМОҚ 1 Оловдек яллиғланмоқ, қизармоқ, тафт олмоқ. *Мастуранинг*

лўппи юзи оловланди. Ойбек, О.в. шабадалар. *Ҳамкасбининг нордон гапидан кейин юзи оловланиб, слесарлар хонаси томон чопиб кетди.* «Саодат».

2 *кўчма* Аланга олмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ. *Лейтенантнинг нафрати оловланиб, нима қиларини билмасди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ҳайдарнинг кўзига кечаги воқеа кўринди, унинг алами оловланди.* И. Раҳим, Ихлос. *Ўз-ўзидан оловланиб кетишими ёинки бошқа жиҳатларими бошқаларга ҳам ёқмапти.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ОЛОВЛИ 1 Олови, ўти бор. *Оловли ўчоқ.* ▬ *Пулемёт қисқагина тириллаб, ёнгинамда бир оловли ханжар йилтиллади-ю сўнди, мен гурс этиб йиқилдим.* А. Мухтор, Асарлар.

2 Иссиғи, ҳарорати бор, иссиқ, ҳароратли. *Меҳмон унинг [Жапақнинг] қўлини олиб, иситмаси чиқиб турган оловли кафтига босгандагина эсига келди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ОЛОВ-ОТАШ Ҳаддан ташқари иссиқ. *Уч ҳафтадирки, Пўлат шаҳар касалхонасида ётибди. Тўрт кунгача олов-оташ бўлиб ёнди, ўзига келмади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОЛОВ-СЕЛЛИ *с.т.* Жуда иссиқ, ҳароратли. *Ёз ойининг олов-селли кунлари бошланди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

ОЛОВХОНА *айн.* **оташхона.**

ОЛОМОН Ўз-ўзидан, кутилмаган ҳолда тўпланган одамлар; халойиқ. *Оломондан қочган сира қутулмас.* Мақол. ▬ *Оломон аркка ҳужум қилди, деразаларнинг тарақлагани.. эшитилади.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Намозгарга яқин куёв катта оломон билан келди. Тўрт карнай, олти сурнайнинг шовқини кўкни тутди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оломон қилмоқ Судсиз-бошқасиз кўплашиб урмоқ, уриб ўлдирмоқ. *Гап шу, мусулмонлар, агар бугун ҳам бир гап чиқмаса, бизни лақиллатганлари учун учовининг бошига тўн ёпиб, оломон қиламиз.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЛОН, олонг *шв.* Қаровсиз, ташландиқ ер; тепалик, паст-баландлик. *Кўп ўтмай, ҳовлига яқин олонга оқ «Волга» келиб тўхтади.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар.

ОЛТИ *снқ. сон* 6 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Олти сўм. Олти кун. Олти йил. Оғриқ жойини топса, олти ой қишлайди.* Мақол. ▬ *Ана ўшанда унинг қизи Доно олти ёшда эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЛТИБУРЧАК *мат.* Олти бурчакли текис геометрик шакл. *Олтибурчак чизмоқ.*

ОЛТИЛИК 1 Олтита холи бўлган қарта. *Ғиштиннинг олтилиги.*

2 Олти мисрадан иборат шеър; мусаддас.

ОЛТИН 1 Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сариқ-қизғиш тусли қимматбаҳо нодир металл; зар: тилла. *Соф олтин. Олтин соат. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. ▬ *Директор ўша терилар учун кўргазманинг олтин медалини олди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Хомток қилинган ишкомда ҳусайни узумлар олтиндек товланмоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

2 *кўчма* Ҳар қандай қимматбаҳо ёки азиз нарса ҳақида. *Ер — хазина, сув — олтин.* Мақол. *Дўст-ёрлар аҳил бўлса, Чўлда олтин ундирар.* Мақол. ▬ *Қўшиқ айтиб келаман қир ёқалаб. Гул-чечаклар тераман Сир ёқалаб. Тер тўкиб етиштирган «олтинимиз» Туради чаноғида бизга қараб.* «Фольклор».

Олтин суви *қ.* **зарҳал, ҳал.** *Олтин суви югуртирилган соат.*

2 Шу металлдан зарб қилинган пул. *Ҳомид ёнчиғини чиқариб, бир қўлидан иккинчи қўлига олтинларни санаб тушира берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бунчалик дабдаба, албатта, хазинадаги олтинлар кучи билан бўлгандир, деб баъзиларнинг кўнглига келар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *сфт. кўчма* Қимматли, бебаҳо (фикр, гап, сўз, иш, вақт ва ш.к. ҳақида). *Олтин ёшлик. Ёш чоғим — олтин чоғим.* Мақол. ▬ *Кам бўлманг, раисим, олтин сўзларни айтдингиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Амунинг бўйида кезардим танҳо. Шу олтин дамларни сезардим танҳо.* Ғайратий.

Олтин бош Яхши идрок этадиган, яхши ишлайдиган бош, ўткир ақл; шундай бош, шундай ақл соҳиби. *Ниҳоят, Қоратой Йўлчининг елкасини дўстона қоқиб деди: -Роса бошинг бор, иним Йўлчи, олтин бошинг бор. Гапларинг бари ҳақ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Олтин водий** Ноз-неъматларга бой, обод, яшнаган водий. **Олтин куз** Йилнинг ҳамма нарса ғарқ пишган тўкин-сочин пайти, мўл-кўлчилик фасли. *Баҳор бўйи, ёз бўйи заррама-зарра йиққан бунёдини буюк саховат билан деҳқон этагига солаётган мана*

шу олтин кузда унинг юраги қафасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Олтин одам** Жуда яхши одам, тенги-мисли йўқ одам. **Оқ олтин** Пахта. **Қора олтин** Нефть ёки кўмир. **Қўли олтин** *ёки* **олтин қўл** Ҳар ишга моҳир қўл ва шундай қўлли киши. *Сизларни кўрганимда.. Олтин қўл албатта тушар эсимга.* Х. Салоҳ.

ОЛТИНГУГУРТ Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент; тез ёнадиган сариқ рангли металлоид (тиббиётда ва саноатда кенг ишлатилади). *Олтингугурт оқсилнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

ОЛТИНЛАМОҚ Олтин билан қопламоқ, олтин югуртирмоқ, зарламоқ, зар қопламоқ.

ОЛТИНЛАНМОҚ Олтин каби ярқирамоқ, товланмоқ. *Бургут қуёш доирасини кесиб ўтаркан, бир зум ёниб кетгандай олтинланиб кўринди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ОЛТИНЛАТМОҚ Олтинламоқ фл. орт. н. *Қуёш чиқиб, анҳор ёқасидаги толларни олтинлатган; тоза, ёрқин ҳаво кўзни қамаштиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛТИНСИМОН Олтинга, тиллага ўхшаш, олтин рангли, ялтироқ, сап-сариқ олтиндай. *Қуёшнинг олтинсимон нурлари. Олтинсимон буғдойлар.* ▬ *Дўстлар бир оз сўлган бананларнинг олтинсимон пўстлоғини артиб, нон билан ея бошладилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ОЛТИНТАМҒА Ўзбек халқининг этник таркибига кирган қабилалардан бирининг номи.

ОЛТИНЧИ 1 *иртб. сон* Тартиб ўрни 6 рақами билан белгиланган, 6 номерли. *Олтинчи ой. Олтинчи кун.*

2 Катта-кичик нарсаларнинг бешинчидан катта, еттинчидан кичик ўлчами. *Олтинчи калиш. Олтинчи лампа.*

ОЛТИНҚОЗИҚ (О – *катта) айн.* **Қутб юлдузи** *қ.* **қутб 1.** *-Ҳув анов, шимолдагиси – Олтинқозиқ юлдузи. У осмоннинг ўқи бўлади. Шунга қараб юрган киши йўлидан адашмайди, – деди чол Шум болага.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ОЛТИНҚЎНҒИЗ *айн.* **тиллақўнғиз.**

ОЛТМИШ *снқ. сон* 60 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Олтмиш сўм, Олтмиш киши. Олтмишдан ўттизни олмоқ. Олтмишга кирган отадан ош сўрама.* Мақол.

ОЛТОВ *жамл. сон* Олти киши ёки олтита нарса. *Олтов бўлиб жўнамоқ.* ▬ *Ҳар тарафни юрдим сўраб, Сенинг олтовингни қараб. Олтовинг ҳам келиб қолдинг, Куни битган ажал ҳайдаб.* «Ёдгор».

ОЛТОВЛОН *бирг. сон* Олти киши, олти киши бўлиб, олти киши биргаликда. *Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирар, Тўртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирар.* Мақол.

ОЛТОЙ *қ.* **олтойлар.** *Олтой халқи. Олтой тили. Олтой аёл.*

ОЛТОЙЛАР Олтой ўлкасидаги туб аҳолининг асосий қисми.

ОЛУ [*ф.* آلو] *шв.* Олхўри.

ОЛУВ 1 Олмоқ фл. ҳар. н.

2 *мат.* Бир сондан иккинчи сонни айириш амали; айирув, тарҳ. *Ҳисобдан ҳам қўшув, олувларни ўрганибсиз, тузук!* Ғ. Ғулом, Машъал.

ОЛУВЧИ Бирор нарсани қўлга киритувчи; харидор. *Сотувчи олувчи, олувчи сотувчи ахтаради.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ОЛУД, олуда [*ф.* آلود / آلوده – булғанган, ифлосланган, ботган] Бирор нарсага булғанган, ботган, қоришган. *Тўғриси, заҳар олуд мактубингизга одамларча тушуна олмадим ва тушунишга ҳам лузум кўрмадим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛХЎРИ [*ф.* آلو – олхўри + خورى – ейишли] **1** Раънодошлар оиласига мансуб данакли мева дарахти. *Бир туп олхўри. Олхўри экмоқ.* ▬ *Дадаси, не ҳасратда кўкараётган олхўрининг ҳамма шохини бита қўймай кесиб ташлабди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Шу дарахтнинг ширин меваси. *Сариқ олхўри. Қора олхўри.*

ОЛЧА [олу + =ча: кичик олхўри] **1** Раънодошлар оиласига мансуб данакли мева дарахти. *Бир туп олча.* ▬ *Атроф ҳали ёруғ бўлса ҳам, пастлик булутли кунни эслатар, гулини тўккан олчаларнинг тиниқ барглари қорамтир бўлиб кўринар эди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шу дарахтнинг юмалоқ нордон меваси. *Олча мураббоси.* ▬ *Ёзнинг энг жазирамасида олчанинг сувини шарбат қилиб ичилса, ташналикни қондиради.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ОЛЧАЗОР Нуқул олча билан банд ер, майдон, боғ. *Моҳидил у ёқ-бу ёққа аланглаб олиб, қалин олчазор орасидан қўшнининг томорқасига ўтди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЛЧАРАНГ Олча рангига ўхшаш; қизил. *Аясининг бўйнида шода-шода марварид. Оёғида учи бигиздек ингичка, олчаранг туфли.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОЛЧИ 1 Ошиқнинг ўйиқ ён томони.

2 Ошиқ ўйинида ошиқнинг шу томони юқорига қараб турган ютуқ вазияти. *Товва пуккани ейди, олчи чиккани ейди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Ошиғи олчи Иши ўнгдан келган, юришган, омади келган. *Қодировнинг ошиғи олчи, дўпписи яримта.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Энди мен билан бамаслаҳат иш юритсангиз, кам бўлмайсиз, доим ошиғингиз олчи бўлади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОЛЧИН I **1** Ўзбек халқининг этник составига кирган уруғлардан бирининг номи.

2 Шу уруққа мансуб киши. *Хўш, биз темурий эмасмизми? Ул ўзбекнинг барлосидин эрса, биз олчиниданмиз!* «Ёшлик».

ОЛЧИН II Узунлик ўлчов бирлиги; аршин (*қ.*) ва газ (*қ.*) қийматларига тенг. *Москопда саккиз олчин шойи йигирма танга тураркан.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ОЛЧИН III: **олчин тўқмоқ** Дастаси узун катта ёғоч тўқмоқ.

ОЛЧОҚ *кт.* Ўтакетган разил, паст; ёвуз, номард; хоин. *Олчоқ одамлар.* ▬ *Домлам дарс орасида гоҳо замондан шикоят қилади, ёмонларнинг, олчоқларнинг кўплигини айтади.* Ойбек, Болалик. *Мен шайтондан минг мартаба ваҳшатли бўлган Олчоқларни кўриб, чидаб турганман аввал.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОЛЧОҚЛИК 1 Олчоққа хос хусусиятга эгалик. *Олийжаноблик билан олчоқлик, ҳақиқат билан ёлғон, валломат билан макрҳийла, ҳалол билан ҳаром ёнма-ён.* С. Нуров, Нарвон.

2 Олчоқ кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш; разиллик.

ОЛҚАМОҚ Бировга яхшилик, бахт, саломатлик тиламоқ, муваффақиятлар тилаб қолмоқ. *Ботирларни олқайди, Ҳурматлайди бу диёр.* З. Диёр. *Ичимда Яхшибоевни олқайман, денг. Агар бу иш хаёлига келмаганда, ким билади дейсиз, мен яна қачон дашт ҳавосини ҳидлар эдим.* М.М. Дўст, Лолазор.

ОЛҚИНДИ Қайта-қайта ишлатилавериб юпқа бўлиб кетган совун; совун қолдиғи. *Тонг қоронғисида кир қўйганимча олтита совундан олқинди ҳам қолмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Редактор ўринбосари кўк майсадек пойандозда шоколад қоғозлари ва иккига бўлинган, олқинди совундек шоколадни кўрди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Олқинди қайроқ Ейилиб кетган юпқа қайроқ. *Эшимқул эшикдан пичоғини юпқа олқинди қайроқда қайраб келгач, Насимжон боши кўкка етгудай севинди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ОЛҚИШ 1 Яхшилик тилаб айтилган, айтиладиган сўзлар, мақтов, дуо. *Олқиш олган омондир, қарғиш олган ёмондир.* Мақол. ▬ *Тақдир тақозоси билан йўл-йўлакай беҳисоб аччиқ-чучук мазасини тотди, пичинг ҳам, олқиш ҳам эшитди.* «Ёшлик».

2 Мамнунлик, таҳсин билдирувчи қарсаклар. *Мирсоатнинг ҳисоб маърузасидан кейин узоқ олқиш бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Қўшиқнинг охири олқишларга кўмилиб кетди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ОЛҚИШЛАМОҚ Мамнунлик, таҳсин билдирмоқ, олқиш сўзлари билан табрикламоқ; таҳсинлаб қарсак чалмоқ. *Ўзбекистон халқ артисти Юсуфжон ака тўқсон ёшга кирган куни халқ уни кулиб-кулиб олқишлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Тонг ёришгани, дунёга нур тўлгани учун қувонаётгандек, осмонда тўрғайлар.. кундузни олқишлайдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОЛҚОР I *қ.* **алқор, архар.** *Олқор кўз олдимизда қайгадир йўқолди.* А. Суюн, Олис тонглар.

ОЛҚОР II *бот.* Ёввойи ўт, ўсимлик тури. *Олқор билан кийикўт қизлар қулоғида бўлди, кўкракларида бўлди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ОЛҒА 1 *рвш.* Олдинга, илгари томонга. *Олға юрмоқ.* ▬ *Ўзи пулемётини судраб, олға эмаклаб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин куз.

Олға босмоқ 1) олдинга томон юрмоқ, илгарига қараб силжимоқ. *Хон ёнида турган хос навкар қиличини ушлаб, беихтиёр бир қадам олға босди.* С. Сиёев, Аваз; 2) ривожланмоқ, илгариламоқ. *Иш олға босмоқда.*

2 *унд. с.* Илгари томон силжишга, олдинга томон юришга чақириш нидоси. *Қани, олға, ғалаба арслонлари! Қани, олға, ватан қаҳрамонлари!* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ОЛҒИР 1 Овни яхши оладиган. *Олғир ит. Олатўғаноқ олғир бўлса ҳам, қарчиғай бўлолмас.* Мақол.

2 *кўчма* Ҳақини кеткизмайдиган; олағон. *Бувинисо олғир ва эпчил аёллардан ўтиб, қозонга яқин йўлай олмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *салб.* Бировнинг, жамоат ёки давлатнинг пулини, мол-мулкини юлиб, талаб олувчи; юлғич. *Олғир одам.* ▬ *Бу олғирлар меҳнаткашларнинг ҳамёнига човут соляпти.* «Муштум».

ОЛҒИЧ *шв.* Олғувчи, олувчи. *Боғбон бўлиб, қизил гулни терди, де, Жон олғич жаллодинг — Шакар келди, де.* «Ширин билан Шакар».

Кўз олғич Кўзни оладиган, кўзни хира қиладиган, қамаштирадиган (даражада). *Қуёшда дам кўз олғич чарақлаб, дам кўкатлар орасига яширинган бу кичкина ариқнинг нашъаси бошқача эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ОЛҲИРОТ [*ф.* آلوهرات — Ҳирот олхўриси] *айн.* **олхўри.** *Машҳур боғбон Дарвеш ҳожи шафтоли, олҳирот кўчатларини ўтқазмоқда.* Ойбек, Навоий. *Нонуштага қиём-олҳирот, Кечга палов, беҳи босилур.* Миртемир, Асарлар. *Олхўрининг жайдари номи турлича: қораоли, олхўри, олҳирот, ғайноли.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ОМ I [*а.* عام — умумга тегишли, умумхалқ; кенг тарқалган] (*о — чўзиқроқ)* Умум; умумга тегишли.

Рухсат(и) ом *этн.* Умумга рухсат (ўликни кўтариш олдидан ўлик эгаси томонидан «энди истаганларга рухсат» маъносида ишлатиладиган ибора). **Ом бўлмоқ** Маълум бўлмоқ. *Кўринди маърифат хуршиди, нури бўлди элга ом.* Ҳамза. **Қатли ом** Ҳаммани қатл қилиш, оммавий, ёппасига қирғин. *Ҳақиқатан ҳам шахсга сиғиниш йилларида оммавий қатли омгача идеология ва қонунчилик соҳасида ўзига хос тайёргарлик олиб борилган.* Газетадан.

ОМ II [немис физик олими Г.С.Ом (Ohm) номидан] *физ.* Халқаро бирликлар тизимида электр қаршилик бирлиги.

ОМАД [*ф.* آمد — келди; келиш; бахт; кирим, даромад] Ишнинг ўнгдан келиши, илгари босиши; бахт, толе. *Омадингиз баланд. Ҳар йигитга бир омад.* Мақол. *Ишнинг омади — ўз вақти.* Мақол. ▬ *Эҳҳе, иш катта-ку! Омад тилайман, чўталдан чўзасизда!* Ойбек, Танланган асарлар. *Буни омад дейдилар: ҳам иш ундирибсан, ҳам томоша қилибсан.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Омад қуши бошига қўнди *айн.* **бахт қуши бошига қўнди** *қ.* **бахт. Омади гап** *ёки* **гапнинг омади** Холисона айтилган гап; гапнинг тўғриси, ўрни, мақоми. *Мен омади гапни айтибман, ўртоқ Самандаров, албатта, мени билмайдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Жаноби олий ва сизнинг давлатингиз ҳаммаси меники, нега хафа бўлайин, гапнинг омадини айтдим-да, — деди Ўрмон полвон.* С. Айний, Қуллар. **Омад(и) келмоқ** (*ёки* **юришмоқ**) Иши ўнгидан келмоқ, бахти келмоқ, юришмоқ. *Рўзиқулнинг омади келиб, чўнтаги хўппая бошлади.* Ғайратий, Довдираш. **Омади кетмоқ** Иши ўнгидан келмаслик, орқага кетмоқ, бахт йўли тўсилиб қолмоқ. *Омадинг кетганда, кунлар тошбақа юриш қилиб, секин ўтади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ОМАДЛИ Омади, толеи баланд, бахтли. *Омадли одам.* ▬ *Кимгаки ақлу идрок насиб этган бўлса, демак, у омадлидир.* «Фан ва турмуш».

ОМАДСИЗ Омади, толеи паст, бахтсиз. *Омадсиз одам.* ▬ *«Аравакаш» — унинг ҳов ўша уруш давридаги омадсиз ёшлигидан қолган лақаби, холос.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОМАДСИЗЛИК Омад келмаслик, муваффақиятсизлик, *Омадсизликни тоқат билан енг.* «Ёшлик».

ОМБИР I *қ.* **омбур.**

ОМБИР II *шв.* Девор тагидан сув ўтиши учун қолдирилган туйнук; қувур.

ОМБОР [*ф.* انبار — ғалла, озиқ-овқат сақланадиган хона, бино; омборхона, магазин] Озиқ-овқат, асбоб-анжом, мол ва ш.к. сақланадиган бино. *Омбор тўла дон.* ▬ *Ҳовли ўртасида қаққайиб турган Умиднинг тахминича, бу ҳовлида ошхона, омбор, гараж ва ҳоказолардан ташқари ё ўн икки, ё ўн уч хона бор.* Мирмуҳсин, Умид.

Сув омбори Сунъий сув ҳавзаси, сув тўпланадиган жой. *Каттақўрғон сув омбори.* ▬ *Амударёда йирик Туямўйин тўғони ва сув омбори қурилиши охирига етди.* «Фан ва турмуш».

ОМБОРХОНА [омбор + хона] *айн.* **омбор.** *Бой омборхона калидини Ойшабонуга узатди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бино минерал сувлар сақланадиган омборхона қилиб қўйилган.* Газетадан.

ОМБОРЧИ Омбор мудири. *Ўтган йили анови омборчи Абдусамаднинг ўғли ҳам имтиҳондан ўтолмай қайтиб келди.* С. Зуннунова, Олов. *Полвон отдан тушиб, бозордан келтирилган нарсаларни.. омборчига берди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ОМБУДСМАН, омбудсмен [*швед.* ombudsman – бирон киши манфаатларининг вакили] Турли хил маъмурий органлар, шунингдек, хусусий шахслар ва бирлашмалар фаолиятининг қонунийлигини, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишини назорат қилиш учун махсус сайланган (тайинланган) мансабдор шахс. *Омбудсман хизмати ходимларининг қайд этишича, болалар жиддий, чуқур мазмунли саволлар беришиб, улар билан баҳсга киришишган.* Газетадан.

ОМБУР [*ф.* انبور – қисқич, омбур] Мих суғуриш, нарсаларни қисиб ушлаш, кўтариш, эгиш, қирқиш, синдириш каби ишлар учун қўлланадиган икки жағли асбобларнинг умумий номи. *Юмалоқ жағли омбур. Оғриқ тишнинг давоси – омбур.* Мақол. ▬ *Чолнинг қалбини аллақандай совуқ бир қўл омбур орасига олиб сиқар, оғриғи юзига уриб борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулсумбиби қизини оёқ остига олиб, унинг баданини, омбур билан чўзиб тортгандай, уза бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОМИ [*а.* عامى – халққа тегишли; жамоатга оид; оддий, содда] (о – *чўзиқ*) Саводсиз, ўқимаган; авом. *Хон ҳазратлари, мен ўқимаган, ёвонлик бир оми одамман.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сизнинг ҳар бир гапингиз биздек оми одамларга ўрнак бўлиши керак.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Ҳа, энди.. биз оми одамлармиз, – деб қўйди Тойлоқов.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОМИЛ I [*а.* عامل – сабаб; таъсирчан куч] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг юзага чиқиши, содир бўлиши учун сабаб бўлган нарса; сабаб. *Отабекнинг маънавий падари бўлган Ҳасанали ота унинг махфий дардининг асли омилини излайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Чигитга гамма нурлари бериш вилтга қарши курашдаги асосий омиллардан бири.* Мирмуҳсин, Умид.

ОМИЛ II [*а.* عامل – ишловчи, ҳаракатдаги; ҳақиқий; ишчи, хизматчи] **1** Бирор ишни яхши эгаллаган; уста, моҳир, омилкор. *Бирни иккига чақиб, иккини тўрт қилишга омил ота қизини [Таннозхонни] ишлагани қўймаган эди.* Қ. Махсумов, Муҳаббат қўшиғи.

2 Омил (эркаклар исми).

ОМИЛИК Авом бўлишлик, саводсизлик. *Ўргилай, ҳамма касофат омилигимизда-де!* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОМИЛ-КОМИЛ Жуда омил, етук уста. *У ҳар қандай ишга омил-комил одам.*

ОМИЛКОР [*а.* + *ф.* عامل‌كار – ишбилармон, моҳирлик билан ишловчи, оқил] Омиллик, усталик билан иш кўрувчи; уста, омил. *Омилкор деҳқон. Омилкор тўқувчи.* ▬ *Амакиларининг бу борада омилкор, пухта кишилар эканини билгани учун Исломбой индамай қолди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ОМИЛКОРЛИК Усталик билан, оқилона иш кўришлик. *Пахта териш машиналаридан омилкорлик билан фойдаланмоқ.*

ОМИЛЛИК Бирор ишни яхши эгаллаганлик, усталик. *Ўз ишига омиллик.*

ОМИН [*а.* آمن – ишонувчи; ишончи бор; хавф-хатардан холи бўлган] Ислом, яҳудий ва христиан динларида диндорлар ўртасида «қабул этилсин», «ижобат бўлсин» маъносида, оддий халқ орасида эса «илоҳи шундай бўлсин», «айтганингиз келсин» маъносида ишлатиладиган сўз. *-Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўлманг, омин! – деди Кумуш онасига.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Худо ҳаммангизга қувват берсин! Олинглар, олдирманглар. Омин! – деди Алим бува.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОМИХТА [*ф.* آميخته – аралаш, аралаштирилган] **1** *от* Бир неча маҳсулот аралашмаси. *Хайриятки, бола тезда овунди, асалу ёғ омихтаси суртилган эмизикни шимганича ухлаб қолди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *сфт.* Аралаш, бошқа нарса аралаштирилган. *Омихта ёғ.* ▬ *Омихта емлар бу ерда буғдой, арпа, сули маҳсулотларидан тайёрланади.* Газетадан. *Азизхоннинг димоғига қалампирмунчоққа омихта атир ҳиди урилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 *кўчма с. т.* Аралаш-қуралаш, мошкичири, қоришиқ. *Турмушдаги бошқаю, китобдагиси ҳаводан олинганми? Китобдаги билан турмушдагини бир-бирига омихта қилиш кимнинг иши?* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ОМИХТАЛАНМОҚ Аралашиб, қўшилиб кетмоқ. *Носоз транспорт воситаларидан чиқаётган ортиқча газлар бир-бири билан омихталаниб, шундай қўланса ҳид тарқатяптики, бунақасини ҳеч ерда учратмайсиз.* «Муштум».

ОММА [*а.* عامّه – умумийлик; оддий халқ] Бирор ижтимоий гуруҳнинг катта кўпчилиги, умум, кўпчилик, халқ. *Меҳнаткашлар оммаси. Деҳқонлар оммаси. Ишчилар оммаси. Зиёлилар оммаси.* ▬ *У [Йўлчи] бўйнини чўзиб, қайноқ, асабий, ғазабли оммани, зулм ўчоғини портлатишга тайёр ботир халқни кўздан кечирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОММАБОП Умумга, оммага тегишли, омма учун белгиланган, мўлжалланган. *Оммабоп адабиёт. Оммабоп журнал. Оммабоп тилда ёзилган мақола.* ▬ *Ота оммабоп тилда.. ер ислоҳоти ҳақида гапирдилар.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

ОММАВИЙ [*а.* عامّەوی – умумга, умумхалққа тегишли, оид] **1** Оммага, кўпчиликка оид; омма, кўпчилик томонидан ёки омма орасида бажариладиган. *Оммавий иш. Оммавий ҳаракат.* ▬ *Айрим оммавий-даврий нашрларнинг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди.* Газетадан.

2 Кенг кўламдаги, кенг кўлам олган.

Оммавий ахборот воситалари Хилма-хил мазмундаги ахборотларни кенг оммага етказиб берувчи воситалар – даврий матбуот, радио, телевидение ва ш.к. нинг умумлашма номи. *Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида айтилишича, учрашув чоғида Украинанинг альянсга қўшилиш масаласи кўтарилмаган.* Газетадан. **Оммавий қирғин қуроллари** Душманнинг кучларига, қурол-аслаҳаларига, иншоотларига ялпи талафот етказувчи қуроллар. *Айни пайтда, ядровий қуролсизланиш бўйича тадбирлар билан бир қаторда, оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари ҳам тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим.* Газетадан.

ОММАВИЙЛАШМОҚ Умумий, оммавий тус олмоқ; омма орасида кенг ёйилмоқ. *Қишлоқ ёшлари ўртасида спорт оммавийлашиб бораётир.*

ОММАВИЙЛИК Оммавий хусусиятга эгалик. *Мен ушбу тамойиллар қаторига оммавийлик принципини ҳам киритган бўлардим.* Газетадан. *Ўқиш ҳам, обуна ҳам, борингки, фаолиятнинг барча жабҳаси оммавийликка асосланган эди.* Газетадан.

ОММАВИЙ-МАДАНИЙ Омма ўртасида ўтказиладиган маданий ишларга оид, шундай ишларни амалга оширадиган. *Район комитетининг оммавий-маданий бўлими. Оммавий-маданий ишлар.*

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ Омма ўртасида ўтказиладиган сиёсий ишларга оид, шундай ишларни олиб борадиган. *Оммавий-сиёсий ишлар.*

ОММАЛАШМОҚ Омма, кўпчилик, халқ орасига ёйилмоқ, кенг тус олмоқ, кенг тарқалмоқ. *Илғорларнинг тажрибаси оммалашмоқда.* ▬ *Унинг ўз таърифича, бу сўзлар.. эндигина оммалашаётган фан ва техника қуроллари, буюм ва асбоб-анжомларининг «ўзбекча атамаси» эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОММЕТР [*нем.* Ohm – ом + *юн.* metreo – ўлчайман] *физ.* Электр қаршилигини бевосита ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

ОМНИБУС [*лот.* omnibus – ҳамма учун] *эск.* 20-аср бошларигача: муайян аҳоли масканлари орасида мунтазам қатновчи кўп ўринли от-арава; дастлабки жамоа транспорти.

ОМОН [*а.* آمان – хавфсизлик; хотиржамлик; раҳм-шафқат] **1** Соғ-саломат, эсон-соғ. *Бош омон бўлса, дўппи топилар.* Мақол. ▬ *Қоратегиндан келдингми, опанг омонми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу бош бевафо дунёда нималарни кўрмади дейсиз. Кўп тўполонлардан омон қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тоҳир омон, ҳеч бир шикаст еган йўқ.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

Омон бермай Аямай, шафқатсиз равишда. *Сен қўлима тушиб бўлдинг гуноҳкор, Омон бермай ўлдираман муқаррар.* «Рустамхон».

2 Тинч, осойишта. *Она юртинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас.* Мақол. ▬ *Дунёдаги барча тинчликсевар кишилар она заминнинг омон қолиши учун ҳамжиҳатлик билан ўз хоҳиш-иродаларини намойиш этмоқдалар.* Газетадан.

3 Омон (эркаклар исми).

ОМОНАТ [*а.* آمانت – ишончлилик; тўғрилик, ҳалоллик; сақлаш учун берилган нарса; туҳфа; мерос] **1** Сақлаб бериш, вақтинча фойдаланиш ёки бошқа бир кишига элтиб бериш учун топширилган. *Омонат хат. Омонат пул.*

2 Омонатга сақланган пул ва б. нарса, буюм. *Анов куни қўйиб кетган омонатга келдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Омонатларни эгаларига топширганимиздан кейин, майли.. куёвтўра қизимизни Маккага олиб борсалар ҳам, монелик йўқ.* И. Ўктамов, Ҳикоялар.

3 Мижознинг маълум бир шартлар асосида банкка қўйган пул маблағи.

Омонат дафтарчаси Омонат кассага пул қўйилгани ҳақидаги шахсий ҳужжат. *Салимхон Обидий.. аллақандай зарур ҳужжатларни, омонат дафтарчасини рўмолга тугди.* Мирмуҳсин, Умид. **Омонат кассаси** Фуқароларнинг пулини вақтинча сақлаб берадиган муассаса. **Омонатини топширмоқ** Вафот этмоқ, оламдан ўтмоқ. *Кампир уйга кирган-у, шу қисқа фурсат ичида чоли тўшакка беозор чўзилганича, омонатини топшириб қўйганининг гувоҳи бўлган.* «Ёшлик».

2 Номигагина, шунчаки; зўрға. *Чол супадаги ёғоч сўрига омонат илиниб, ниятини айтишга сўз тополмай қийналди.* «Ёшлик». *Тўйчи пойгакдаги чўян печь устига омонат ўтирди-да, ерга қараганча, индамай, папиросга зўр берди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 Вақтинчалик. *Одам – омонат, дийдор – ғанимат.* Мақол. ▬ *Жиян ижара уйда омонат ўтирди.* «Ёшлик».

4 Путурдан кетган ёки зўрға илиниб турган. *Омонат бино.* ▬ *Ошпаз косага лағмон сузиб, йўнилмаган тахтадан омонат ясалган стол устига қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОМОНАТЧИ Омонат кассасига пул қўйган киши. *Бугунги кунда банкда 70000 дан ортиқ омонатчига самарали хизмат кўрсатилмоқда.* Газетадан.

ОМОНИМИК Омонимга хос, тегишли. *Сўзнинг омонимик хусусияти.*

ОМОНИМИКА [«омоним» с. дан] *тлш.* **1** Бирор тилдаги омонимларнинг жами, йиғиндиси.

2 Тилшуносликнинг омонимларни ўрганадиган бўлими.

ОМОНИМИЯ [«омоним» с. дан] *тлш.* Бирдан ортиқ тил бирлигининг талаффуз ва ёзилиш жиҳатидан бир хил бўлиш ҳодисаси.

ОМОНИМЛАР [*фр.* omonyme < *юн.* homos – тенг, бир хил + onyma – ном, исм] *тлш.* Шакл ва талаффузи, яъни ёзилиши ва айтилиши бир, аммо маъноси бошқа-бошқа сўзлар, шаклдош сўзлар.

ОМОНЛАШМОҚ 1 Бир-бири билан саломлашмоқ, бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашмоқ. *Элмурод челакларини ерга қўйди-да, бориб [Норжон билан] омонлашди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аҳмадали Рўзихон ая билан йўл-йўлакай омонлашди, ундан кўнгил сўради.* «Ёшлик».

2 *шв. фольк.* Видолашмоқ, хайрлашмоқ. *Холдор кетар бўлди, беклар, дунёдан, Розиланиб, омонлашиб қолинглар.* Эргаш Жуманбулбул. *Ана шундай қилиб, Муродхон синглиси билан омонлашиб, йўлга тушиб жўнайверди.* «Муродхон».

ОМОНЛИК Соғ-саломатлик, тинч-осойишталик. *Сизга омонлик тилайман.* ▬ *Омонлик бўлса, бу бағри кенг одамлар Хайрининг невараларигача, улардан қолажак авлодигача боқади.* «Ёшлик».

ОМОН-ОМОН Тинчлик, осойишталик (кўпинча урушдан кейинги даврда). *Бир куни бир алвон замон келади, Замин узра омон-омон бўлади.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

ОМОНСИЗ *айн.* **беомон.** *Мирзакаримбой Йўлчига далда бериш учун.. ўлим ҳар кимнинг бошида омонсиз қиличини тутиб турганлигини гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОМОН-ЭСОН *айн.* **омон 1.** *Агар Каримжон омон-эсон қайтиб келса, раислигини ҳам ташлайман.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОМОЧ *эск. қ. х.* Улов қўшиб ер ҳайдаладиган, металл тишли қадимги энг оддий ёғоч ёки темир асбоб. *Омоч билан ер ҳайдамоқ.* ▬ *Ҳўкиз калласини эгиб, омочни тортишга уринар, қўшчи эса ҳадеб қистар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *[Абдурасул] Дастлаб Олахўжанинг сигирларини боқади, кейин омоч қулоғини ушлайдиган бўлгач, қўшга чиқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОМОЧ-БЎЙИНТУРУҚ Ер ҳайдаш учун керакли бўлган омоч, бўйинтуруқ ва бошқа асбоблар мажмуи.

Тароқа туруқ, омочга бўйинтуруқ *ҳазил* Арзимаган ишга тўполон, шов-шув, тартибсизлик кўтарилганда айтиладиган ибора.

ОМОЧЛИ Омочга, плугга эга бўлган. *Томорқа этагидаги деворнинг омочли трак-*

тор киргудек жойи бузиб ташланган эди. А. Обидов, Аканг қарағай Гулмат.

ОН I [*ф.* آن — у, улар]: **он ҳазрат(лари)** у олий ҳазратлари (подшоҳ, амир, хон ва ш.к. ҳақида). *Мирзо Анвардан он ҳазратга номуссизона бир хиёнат содир бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ОН II [*а.* آن — вақт, давр, пайт] Қисқа бир замон: лаҳза, пайт. *Бир он. Шу онда.* ▬ *Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.* Ғ. Ғулом. *Умид Ҳафиза билан бўлган ширин онларини хаёлидан ўтказарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОНА 1 Фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (ўз туққан фарзандларига нисбатан); болали хотин. *Кўп болали она. Бола йиғламаса, она эмчак бермас.* Мақол. *Эрка тутса онаси, талтаяди боласи.* Мақол. ▬ *Қиз эрталаб туриб, дарров онасига разм солди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Она тили Боланинг гўдакликдан катталарга тақлид қилиб ўрганган тили, туғма тил (одатда гапирувчи шахс мансуб бўлган халқ тили). **Онайи зор, онаизор** Меҳрибон, ғамхўр она; онанинг муштипарлигини, мушфиқлигини, меҳрибонлигини ифодалаш шакли. *Онайи зор эмасми, устунни ушлаганча.. боласининг товуши келаётган томонга термилиб қолди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. *Тошкентдан келган хат онаизор юрагига ғулғула солди.* Мирмуҳсин, Умид. *-Болам, — деди-ю, онаизор яна оламга тинчлик тилайди: -Оналар.. ғам чекмасин, осмонимиз мусаффо бўлсин.* **Онанг ўргилсин** *қ.* **ўргилмоқ. Онаси** *этн.* Эрнинг ўз хотинига унинг исмини айтмай мурожаат этиш шакли. *Ҳой, онаси, суюнчини чўз.* Э. Раҳим, Янги қадам. **Қайин она** *айн.* **қайнана. Қаҳрамон она** Ўнта ва ундан ортиқ бола туғиб вояга етказган оналарга бериладиган фахрий унвон.

2 Оила бошлиғи, тарбиячиси. *Булар учун алоҳида қозон осилармиди. Сиз ҳаммасининг онаси, у киши — ота. Уста болани жуда яхши кўрадилар.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

3 Кекса аёлларга ҳурмат юзасидан уларнинг номига қўшилиб ишлатилади, мас. *Тожихон она, Норжон она.*

4 Кекса аёлларга ҳурмат билан мурожаат этиш формаси.

5 Бола туққан жонивор. *Тойчоқнинг онаси. Она қўй. Яхши бузоқ икки онани эмар.* Мақол. ▬ *Она ари уруғлагандан кейин бир суткада 1500—2000 тагача тухум қўяди.* «Фан ва турмуш».

6 *кўчма* Яратувчи, вужудга келтирувчи. *Ер — ҳаётнинг онаси.*

Гапнинг онаси Гапнинг пўскалласи, бўлган-тургани, ҳақиқати. *-Отангизга раҳмат, Юсвали тоға! — деди бошини қимирлатиб Мели полвон. — Гапнинг нақ онасини айтдингиз-қўйдингиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Она Ватан** (*ёки* **юрт**) Киши туғилиб ўсган, унинг учун муқаддас саналган мамлакат. *Яна кўнгли она юртини, баланд тоғлар, кўм-кўк яйловларни қўмсаб, бағрини зах ерга бериб ётиб олди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. **Она сути оғзига келди** *қ.* **оғиз.** *Вой-вой, Гулнора синглингни Азизбойникидан олиб чиққунимча нақ она сутим оғзимга келди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Она сутидай пок (***ёки* **ҳалол)** Ҳеч қандай нопоклик, қалбакилик аралашмаган, кишининг ўз пешона тери эвазига келган. *Пулни олмадим, минг марта розиман, сизга она сутидай ҳалол бўлсин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Она тупроқ** Киши туғилган жой. *Кейин билсам, худди ўша бир қулоч ер менинг она тупроғим экан.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. **Она халқ** Кишининг ўзи мансуб бўлган халқи. *Бечора эмас, йўқ, кўнгли сутдай пок, аммо кўп жабру жафо чеккан менинг она халқим бугун маънавий мададга жуда-жуда ташна.* Газетадан. **Она қизим** Эркалатиш, алқаш маъносида қўлланадиган ибора. *Шундай экан, мен сенга ёмонликни раво кўрмасман, она қизим.* Т. Ашуров, Оқ от. **Онадан туғма бўлиб** Ҳар қандай касалликдан ёки балоқазолардан холи бўлиб, аслидагидай; соғлом, ҳеч нарса кўрмагандай. *Бу ўзгаришдан кейин онадан туғма бўлиб, енгил тортди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Онаси ўпмаган қиз** Бегона қўл тегмаган, пок, иффатли қиз; бокира. *Пулинг бўлса, онаси ўпмаган малика қизлар санга қучоқ очади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Онасини кўрсатмоқ** Таъзирини бермоқ, жазоламоқ. *Устозим иккимиз лабораторияга ўтиб олиб, шунақанги сеҳрли дорилар ясайликки, эй иблис, энди онангни учқўрғондан кўрасан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ОНА-БОЛА Она ва бола (бирликда). *Она-бола нонушта қилаётганларида, гузар тарафдан Абдулла бақироқнинг овози келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Она-бола туни билан ҳасрат-*

лашиб, охири маслаҳатни бир ерга қўядилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

Она-боладай Она ва бола каби, бир-бирига меҳрибон; иноқ. *Бу бечоранинг ҳам ҳеч кими йўқ экан. Она-боладай бўлиб қолдик.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОНА-БОЛАЛИ Онаси ва боласи бор, онаси ва фарзанди билан (бирликда). *Совхоз маъмурияти [Қурбонали полвон оиласини] она-болали бир говмиш сигир билан.. мукофотлади.* Н. Сафаров, Қурбонали.

ОНА-БОЛАЛИК Она ва бола ўртасидаги муносабатларга оид, шу муносабатлар билан белгиланадиган, она ва болага тегишли. *Онахон уларнинг она-болалик меҳридан завқланиб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикканча, қўлини иягига қўйиб ўтирарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОНАБОШИ *с.т.* **1** Рўзғор бошлиғи ёки бирор жамоатга бош бўлган, уни бошқариб турган ҳурматли аёл. *Нафиса ёшлар ичида аллақачон бўлғуси оналик ҳурматини қозонган, гапида ҳам, ишида ҳам салмоқли, қизларгагина эмас, йигитларга ҳам онабоши бўлиб қолган эди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Болалар ўйинида: қатнашувчи икки томондан ҳар бирининг бошлиғи. *«Қушим боши» шунақа ўйин: болалар икки тўдага ажралиб, улар ичидан иккитаси «онабоши» бўлади. Улар битта латтани қушга ўхшатиб тугади. Ҳар икки бола бир-бирига шивирлашиб, бир қушнинг отини яширишади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ОНАЖОН *эркл.* Онаси ёки кекса аёлни севиб, эркалатиб, уни жуда яқин олиб мурожаат этиш шакли. *Элмурод, кампирнинг самимий муомаласини кўриб: -Саломат бўлинг, онажон! — деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОНАИЗОР *қ.* **онайи зор**. *қ.* **она 1**.

ОНАЛАРЧА *рвш.* Оналар каби, оналарга хос меҳрибонлик, шафқат билан. *Оналарча ўпмоқ. Оналарча ғамхўрлик.* ▬ *Альбина Петровна курсантларга оналарча ғамхўрлик қилди.* «Саодат».

ОНАЛИК 1 Она мавқеи, унга хос хислатлар — ҳомиладорлик, туғиш, болани тарбиялаш ва шунга боғлиқ она бурчи. *Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш. Оналик муҳаббати. Оналик ҳисси.* ▬ *Тўсатдан вужудини қамраган оналик меҳри ғолиб келиб, тортган азоби ҳам эсидан чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу сўздан сўнг Офтоб ойимнинг оналик кўнгли эриб кетган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *бот.* Ўсимликларда урғочи жинсий аъзо; уруғчи. *Ток гулида оналиги яхши ривожланган бўлиб, оталиги эса унча яхши тараққий этмаган.* «Фан ва турмуш».

ОНАСИЗ Онаси йўқ, онаси вафот этган. *Онасизнинг умри — хор.* Мақол.

ОНАСИЗЛИК Онаси йўқлик, онасиз қолиш. *Айтибсанки, онасизлик келмасин ҳеч ўйига. Сарф қилингиз, менга эмас, Абдулланинг тўйига.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОНАХОН 1 Онани ёки кекса аёлни севиб, эркалатиб, жуда яқин олиб мурожаат этиш шакли. *Қўшариқлик бир онахоннинг уйига бориб, бош ювиб, кир чайқаб келмоқчи эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Хотинларга бош, ҳурматли кекса аёл. *Ўзбек ойимнинг обрўси ёлғиз шулар билангина чекланиб қолмас, уни ўрда хонимлари ҳам эҳтиром қилиб, ўзларининг «онахонлари» деб билар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яқинда маҳалламизда истиқомат қиладиган Тўти ая исмли онахон вафот этди.* Газетадан.

ОНАХОТИН 1 Ҳурматли, қадрли кекса хотин; бошлиқ, раҳбар аёл. *Рўпарамдан келмоқда расмона — онахотин, Намойишлар эгаси салобат билан босиб.* Ғ. Ғулом.

2 Сергап, маҳмадона қизчаларга нисбатан айтиладиган сўз.

ОНАҒАР *сўк.* Нафрат, ғазаб, қаттиқ койишни ифодалайди. *Уларга луғатда топилган йўқ ном, Улар яъжуж-маъжуж, онағар, ём-ём.* Миртемир, Асарлар.

ОНГ I **1** Одам руҳий фаолиятининг олий шакли; кишининг фикрлаш қобилияти; ақл, идрок. *Боланинг онгини ўстириш.* ▬ *Инсон мавжудотлардан онги, тафаккурининг улуғлиги, сезги ҳиссиётининг чексизлиги билан ажралиб туради.* «Саодат».

2 Одамнинг ёки одамлар гуруҳининг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати. *Сиёсий онг. Синфий онг.* ▬ *Бизнинг мақсадимиз кишиларга онг, тушунча бермоқ; токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажратиб оладиган бўлсин!* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *флс., псхл.* Воқеликнинг киши миясида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналган ҳолда акс

этиши. *Онг миянинг функциясидир. Модда – бирламчи, онг иккиламчидир.*

4 *флс.* Белгили бир ижтимоий гуруҳ вакили бўлган кишиларнинг психологик, сиёсий ва фалсафий нуқтаи назарлари; диний, бадиий қарашлари мажмуи. *Турмуш онгни белгилайди. Ижтимоий онг.*

ОНГ II *шв.* Ов, илвасин. *Жуда мерган эди, қушларнинг, онгларнинг додини берган эди.* «Равшан».

ОНГЛИ 1 Онгга эга, ақл-идрокли. *Онгли киши.* ▬ *Ҳар бир онгли ишчи бизнинг улуғ ҳақиқатимизнинг ташвиқотчиси бўлиши керак.* Ойбек, Нур қидириб. *Ахир шу пайтгача, чексиз коинот қаърида биздан ўзга онгли мавжудот сақланиб қолганини била олмагандик-ку?!* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Онг, ақл-идрок билан боғланган, ақл-идрок тақозоси билан қилинадиган; шундай онг-тушунчага асосланган. *Онгли ҳаёт.* ▬ *Албатта, бу натижа тинимсиз онгли машғулот, ўз устида ишлаш эвазига қўлга киритилади.* «Фан ва турмуш».

3 Воқеликни, ижтимоий ҳаётни, ўз мавқеи ва тарихий бурчини тўғри тушунадиган; онги баланд; белгили тушунчага эга, билимли; маданиятли. *Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечяпти.* Газетадан. *Тешабой замонасининг беш-олти хотинлик қолоқ бойларидан бўлмай.. онгли бойлардан эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Онгли равишда 1) онг, ақл-идрок тақозоси билан. *Онгли равишда фикр юритмоқ;* 2) атайлаб, кўра-била туриб. *Онгли равишда қилинган иш.*

ОНГЛИЛИК Муайян онг, ақл-идрок, тушунчага эгалик.

ОНГСИЗ 1 Онги, ақл-идроки йўқ; ақлсиз.

2 Тушунчаси йўқ, тушунмаган, онги паст.

ОНГСИЗЛИК 1 Онги йўқлик ёки пастлик; ақлсизлик.

2 *псхл.* Онг иштирокисиз бўладиган руҳий жараён ва ҳолатлар.

ОНГ-ШУУР Ақл-идрок. *Унинг демократиклиги ва инсон манфаатлари билан уйғунлиги жиҳатлари ҳам тинчликсевар, ҳам адолатпеша давлатлар аҳолисининг онги-шуурига мос келади.* Газетадан.

ОНДА-СОНДА *рвш.* **1** Баъзи-баъзида, гоҳо. *Акром.. институтда ўқиб юрганда ҳам онда-сонда қишлоққа келар, шунда Шарофатдан ўзини олиб қочиб юрарди.* «Ёшлик». - *Қишлоқда турган вақтимда ҳам онда-сонда учрашардик, – деди Раҳимов Туйғунойга.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

2 У ер-бу ерда, унда-мунда, сийрак. *Умид ва Ҳафиза тор кўчага бурилишди, онда-сонда симёғочлардаги чироқлар ёниб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қўриқни кўм-кўк ўт қоплаб ётган бўлса ҳам, мол кам, онда-сонда битта-иккита сигир, қўй кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОНДАТРА [*фр.* ondatra < *индейс тилларидан*] Дала сичқонлари оиласига мансуб кемирувчи жонивор; мушкли каламуш. *Бу териси шилиниб олинган ондатранинг буйруғи..* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ОНИЙ [*а.* آنى – ҳозирги, айни пайтдаги; долзарб] Жуда қисқа вақт давом этган, этадиган, бир лаҳзали. *Оний ўзгариш.* ▬ *Ҳамманинг юзида оний бир фалокат зарбини тортганларнинг ҳаяжон ва ташвишини кўрди.* Ойбек, Навоий. *Икки севишган юракнинг бу оний учрашувини ҳеч ким пайқамади.* Мирмуҳсин, Умид.

ОНИКС [*юн.* onyx – тирноқ] Ақиқнинг оқ ва қора қатламлари алмашиниб жойлашган йўл-йўл тури. *Имом ал-Бухорий ёдгорлиги пойдевори ониксдан ишланган безаклар билан безатилди.* Газетадан.

ОНКОЛОГ Онкология мутахассиси, врачи.

ОНКОЛОГИК Онкологияга оид. *Онкологик диспансер.* ▬ *Мамлакатимизда онкологик (ўсмали) беморларда иммунотанқислик (иммунитет етишмаслиги) ҳолатини даволаш усуллари аниқланди.* Газетадан.

ОНКОЛОГИЯ [*юн.* onkos – шиш, ўсма, шишган жой + logos – фан, таълимот] Ўсма (шиш)ларнинг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, шунингдек, ўсма касалликлари билан оғриш, уларнинг олдини олиш ва даволаш йўлларини ўрганувчи тиббий-биологик фан. *Вилоятда ҳанузгача ихтисослаштирилган кардиология, онкология ва эндокринология диспансерлари мослаштирилмаган биноларда ишламоқда.* Газетадан.

ОНОМАСТИКА [*юн.* onomastike – номлаш, ном қўйиш санъати] **1** Тилшунослик-

нинг ҳар қандай атоқли номларни, уларнинг пайдо бўлиш ва ўзгариш тарихини ўрганувчи бўлими.

2 Муайян тилда мавжуд бўлган барча атоқли номлар мажмуи.

ОНТ Муқаддас нарсалар ёки кимсаларнинг номини айтиб, уларни ўртага қўйиб берилган қатъий ваъда; қасам. *Онт ичмоқ.* ▬ *Башарти шу хизматни бажариб беришни бўйнингга олсанг, онт билан айтаманки, давлатимнинг ярмиси сеники бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Онт ичмоқ *айн.* **қасам ичмоқ** *қ.* **қасам.** *Ошно онт ичди. Отасини, онасини, уйда қолган учта укасию иккита синглисини ўртага қўйиб онт ичди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОНТАРИЛМОҚ *шв.* Ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ. *Тўнғич бўрининг гавдаси, чўзилиб онтарилганча, ўз қонига олуда бўлиб тушди.* «Шарқ юлдузи».

ОНТАР-ТЎНТАР *шв.* Ағдар-тўнтар.

ОНТОГЕНЕЗ [*юн.* on, ontos – борлиқ + genesis – келиб чиқиш] Организмнинг индивидуал ривожланиши давомида бўладиган кетма-кет ўзгаришлар мажмуи. *Онтогенез даври. Ҳайвонлар онтогенези. Ўсимликлар онтогенези.*

ОНТОЛОГИЯ [*юн.* on, ontos – борлиқ + logos – фан, таълимот] Фалсафанинг борлиқ, унинг тамойиллари, асослари, тузилиши ва қонуниятлари ҳақидаги бўлими. *Онтология масалалари Шарқда, айниқса, бизнинг юртимизда «Авесто» замонларидан бошлаб фалсафий қарашларнинг таркибий қисмига айланган.* «Фан ва турмуш».

ОНТХЎР Бўлар-бўлмасга қасам ичаверадиган, аммо қасамнинг устидан чиқмайдиган қасамхўр; бебурд. *Онтхўр одам.*

ОПА 1 Бир ота-онадан туғилган фарзандлар ичида ўзидан кичикларга (укаларга, сингилларга) нисбатан катта қиз. *Опаси эрга текканда, Адолат ўн бир яшар қиз эди.* А. Қаҳҳор, Қизлар. *Низомжон опасига кўринмай, ёнғоқ орқасидан айланиб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ўзидан катта, баъзан кичик аёлларга ҳурмат юзасидан уларнинг исмига қўшиб ишлатилади, мас., *Мастура опа, Малика опа.* ▬ *Раис опа ҳам шу ерда бўлсалар керак.* С. Аҳмад, Уфқ. *Йўқ, Мўттихон опа, бу ишни кечиктирманг, жон Мўттихон опа.* С. Зуннунова, Олов.

3 Ўзидан катта, баъзан кичик аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли. *Суҳбатда Мастоннинг салмоғи тобора ортмоқда эди. Илгари «синглим» деб турган йигитлар сал ўтмай «опа» дейдиган бўлишди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Ҳорманг, опа, чарчамадингизми? Ишлар қалай?* Т. Ашуров, Оқ от. *-Опа, нима иш билан шуғулланасиз? – деди официантка.* Газетадан.

ОПАЛА(Р) *миф.* Гўё хотин қиёфасида кўринадиган ажиналар.

Опала(р) тегибди *с. т.* Жин урибди, ажина чалибди.

ОПА-СИНГИЛ Бир ота-онанинг турли ёшдаги қизлари (бир-бирига нисбатан). *Улар опа-сингил.* ▬ *Мастура Насимжоннинг ёш хотини билан опа-сингил тутиниб, у боёқишни шундай аврайди..* Ойбек, О.в. шабадалар.

ОПА-УКА 1 Бир ота-онанинг ёши катта қизи билан ёши кичик ўғли (бир-бирига нисбатан). *Сени деб ота-бола, опа-ука бир-бирига тескари бўлишди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *с.т.* Опа-сингил. *Менинг хотиним онанг билан опа-ука бўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОПАЧА *с.т.* Кичик опа, опаларнинг энг кичиги (икки ва ундан ортиқ опаси мавжуд бўлган ука ёки сингилга нисбатан). *Бу қоғозни олиб борсанг, опачанг [Мавлуда] ҳам қўл қўйиб беради.* «Ёшлик». *Болалигимда опачам йиқитиб қўйган экан, Ўша пайтда эътиборсизлик қилинганлиги сабабли кўзим ожиз бўлиб қолди.* Газетадан.

ОПЕРА [*итал.* opera < *лот.* opera – ижод маҳсули, асар] **1** Мусиқали-драматик санъат жанри ва шу руҳдаги саҳна асари. *«Гулсара» операси.* ▬ *Кўпчилик ижодкорлар юбилейга муносиб туҳфалар тайёрлаш учун драма, мусиқали драма, опера, вокал-хореографик симфония, сюита ва бошқа саҳна асарлари яратишмоқда.* Газетадан. *Санъатга иштиёқи баланд Малика Маматова у вақтларда ҳали опера нималигини билмайдиган содда қиз эди.* Газетадан.

2 Шундай асар ижро этиладиган театр. *Бугун операда «Майсаранинг иши» қўйилади. Ўзбек давлат опера ва балет театри.* ▬ *Мамлакатимизда ўша йилларда драма, опера давлат театрлари очилди.* Газетадан.

ОПЕРАТИВ 1 Ҳарбий операцияга оид, ҳарбий операция билан боғлиқ бўлган. *Оператив карта. Оператив маълумот.*

2 Топшириқни ёки ўз вазифасини тез ва амалий ҳал этадиган, бажарадиган. *Оператив гуруҳ. Милиция бўлимининг оператив вакили.* ▬ *Шошилинч оператив группа тузилиб, Тошкент-Қарши йўлларига ҳушёр туриш топширилди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Тезлик, зудлик билан амалга ошириладиган, тез қўлланадиган; тез, ишчан, амалий. *Оператив чоралар. Оператив ишламоқ. Масалани оператив ҳал қилмоқ.*

ОПЕРАТИВЛИК Оператив хусусиятга эгалик; тезлик, амалийлик. *Оперативлик кўрсатмоқ. Оперативлик билан иш қилмоқ.* ▬ *Тошкентдан беш-олти минг километр нарида кечаётган шахмат воқеалари газетамиз саҳифаларида оперативлик билан ёритиб борилаётгани мухлисларни жуда қувонтирмоқда.* Газетадан.

ОПЕРАТОР [*лот.* operator – ишловчи, ишлаб турган] **1** *махс.* Мураккаб механизмлар ишини пульт ёрдамида бошқариб турадиган мутахассис. *Машиналарни бошқариш оператордан зийраклик, чаққонлик ҳамда муайян малакани талаб қилади.* «Фан ва турмуш». *Бу ерда ўқувчиларга.. чуқурлаштирилган билим бериш билан бирга ЭҲМ оператори, иш юритувчи мутахассислиги бўйича ҳам диплом берилади.* Газетадан.

2 Кино-, теле- ҳамда видеофильмни суратга олувчи. *Фильм оператори.* ▬ *Азизхоннинг бояги қанор кўтаришини кинога олган хроника операторлари асбоб-ускуналарни елкага ортиб қайтишаётган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Компьютерларда ахборотларни қайта ишлашда маълум мақсадда дастур тузиш кўрсатмаси.

4 *мат.* Икки тўплам элементларининг ўзаро мос келишини ифодалайдиган математик тушунча. *Квант механикада оператор билан муҳим амаллар бажарилади.* «ЎзМЭ».

ОПЕРАЦИЯ [*лот.* operatio – иш, ҳаракат, фаолият] **1** Баъзи касалликларни даволаш мақсадида касалланган жойни жарроҳлик йўли билан ёриш, кесиш, тикиш. *Кўз операцияси. Операция столи.* ▬ *У врачларнинг таклифини кутмай, операция хонаси ёнига ўзи чиқиб турди.* Т. Ашуров, Оқ от.

2 Бирор мақсадни кўзлаб ёки бирор оператив ёки стратегик вазифани бажариш учун ягона режа бўйича ва келишилган вақтда олиб бориладиган жанг ҳаракатлари мажмуи. *Жанговар операция. Операция картаси.* ▬ *Майор Мақсуд Солиев ярим тунда операцияни якунлаб, уч ойдан бери изма-из қувиб келаётган жиноятчини қўлга олгач, уйга қайтган эди.* «Ёшлик». *Ҳар кун актив операциялар олиб борилди: Варшава йўлларига пистирмалар қўйилди, миналар кўмилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Савдо, молия, почта, саноат, компьютер, суғурта ва б. билан боғлиқ вазифаларни бажаришга қаратилган фаолият ёки хатти-ҳаракат. *Банк операциялари.* ▬ *Бугунги кунда 6 минг кичик ва хусусий корхона ҳисоб-китоб рақамида ҳеч қандай операция амалга оширилмаган.* Газетадан.

4 Технологик жараённинг бир иш жойида бажариладиган алоҳида бир қисми. *Деталга сайқал бериш операцияси. Битта трансформатор ишлаб чиқариш учун қанчадан-қанча операция бажарилади.*

ОПЕРАЦИЯВИЙ Операцияга оид. *Масалан, «Boza» вируси фақат Windows операциявий тизимида ишлайди ва шунинг учун Windows вирусларига киради.* «Фан ва турмуш».

ОПЕРЕТТА [*итал.* operetta – кичик опера] **1** Ашула, рақс ва сўзлашув (диалог) аралаш, комедия характеридаги мусиқали саҳна асари. *Оперетта турли халқлар маданиятига хос мусиқали саҳнавий жанрлар.. аломатларини ҳам мужассам этган.* «ЎзМЭ».

2 Шундай асар ижро этиладиган театр. *Опереттага бормоқ. Оперетта театри.* ▬ *1971 йилда Тошкент оперетта театри ташкил қилинди.* Газетадан.

ОПИЙ, опиум [*лот.* opium < *юн.* opion – кўкнор шираси] *айн.* **афюн.**

ОПИЧЛАМОҚ *айн.* **опичмоқ 1.** *Мен нима қилибманки, колхозни опичлаб катта қилган одамлар қатори «Қўшчинор»нинг хўжайини бўламан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Кўтармоқ, тутиб турмоқ. *Елкасида улкан дардни опичлаб, Дарахтлар титрайди ғамгин, безабон.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Етакламоқ, қўллаб-қувватламоқ. *Кечирасиз-у, домла, сизни Султон ака опичлаб, шу даражага етказди.* «Ёшлик».

Тишда тишлаб, орқада опичлаб Кўз қорачиғидай сақлаб, ардоқлаб. *Мен бу болани тишимда тишлаб, орқамда опичлаб катта қилганман.*

ОПИЧМОҚ 1 Кимсани орқасига миндириб кўтармоқ, кўтариб юрмоқ. *Болани опичмоқ.* ▬ *Агар дунёнинг нариги бурчагига сизни опичиб боришга тўғри келса, мен суюна-суюна бажарардим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кимсанинг орқасига минмоқ, миниб ёпишиб бормоқ. *-Тўлқинбой, — деди Ғани ота.. елкасини болага тутиб, — қани опичиб олинг, саройга тушамиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қани, азамат, менга опич, мардона ишинг бу ерда тугади.* В. Ғофуров, Вафодор.

ОПИЧҚИЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **опичмоқ.** *[Эъзозхон] Тўлқинни опичқилаб, Учқунни қўлига кўтариб олиб, базўр қадам ташлаб бораётибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОПКЕ, опкел *с.т.* Олиб кел. *Муҳсина пиширган экан, касалингизни ўйлаб, мурч қўшолмабди, мурчни алоҳида опкелдим.* М. М. Дўст, Лолазор. *Қовунни опке, мен сўйиб бера қолай.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ОП-ОЧИҚ *айн.* **оппа-очиқ.** *Аёзий ўз шеърини шундай муболаға билан мақтар эдики, шеърнинг оп-очиқ нуқсонларини ҳам танқид этмоққа киши илож тополмай қоларди.* Ойбек, Навоий.

ОПОҚ (**оппоқ** с. қисқ. шакли) **1** *бол.* Тоза, яхши.

Опоқ бўлиб қолдингми? Яхши бўлиб, тузалиб қолдингми? *Мен баҳорда, сен опоқ бўлганингда, яна қайтиб келаман, Заррагул.* «Ёшлик».

2 ***Дада, буви, ойи*** каби қариндошлик билдирувчи сўзларга қўшилиб, «катта» сўзи ўрнида келади ёки ҳурмат ифодалайди. *Опоқ буви. Опоқ дада. Опоқ ойи.* ▬ *Бизнинг шаҳримизда чет элни кўрган, қандайдир бир чет тилни билган битта одам бор. У ҳам бўлса Ҳожи бува — Душаннинг опоқ дадаси.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ОПОҚИ *с.т.* Опоғойи. *Ҳозиргача Озод қишлоққа борганида, онаси аввало опоқини сўраб суриштиради.* «Ёшлик».

ОПОҒОЙИ Ёши катта аёлларга ҳурмат билан мурожаатда ишлатиладиган сўз.

ОППА-ОЙДИН Ойдин 1, 2 с. куч. *Оппа-ойдин кеча. Оппа-ойдин масала.* ▬ *Рўпарага келиб қолган тўлиной йўлни, ўртадаги ола-була, пастак деворни, икки томондаги ҳайбатли қояларни оппа-ойдин ёритмоқда эди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ОППА-ОСОН Жуда осон. *Бироқ саккиз иккига оппа-осон бўлинишини биларсиз?* «Ёшлик».

ОППА-ОЧИҚ Очиқ с. куч. *кам қўлл. айн.* **очиқдан-очиқ.** *Бек.. Лаълининг қўйнини шу вақтгача пуч ёнғоққа тўлдириб келаётганини оппа-очиқ айтди-қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОППОЗИЦИОН Оппозицияга оид, оппозициядан иборат бўлган, оппозиция руҳидаги. *Оппозицион ҳаракат. Оппозицион блок. Оппозицион партия.*

ОППОЗИЦИЯ [*лот.* oppositio — қарама-қарши қўйиш] **1** Қарама-қарши ҳаракат; ихтилоф; ўз дунёқарашини, сиёсатини бошқаларнинг қарашларига, сиёсатига қарши қўйиш.

2 Ҳукмрон мафкура ёки ҳукумат сиёсатига қарши чиқувчи ва масалани бошқача ҳал қилиш йўлини, бошқача сиёсатни таклиф этувчи партия ёки ижтимоий гуруҳларнинг умумий номи.

3 Бир хил сатҳдаги тил бирликларини (фонема, морфема, сўз маънолари ва б. ни) улар орасидаги фарқни билиш учун ўзаро қарама-қарши қўйиш. *Сўз маъноларини оппозицияда ўрганиш барча семаларни аниқлашда қўл келади.* «ЎТА».

ОППОЗИЦИЯЧИ Оппозиция қатнашчиси ёки тарафдори. *Ўнг оппозициячилар. Оппозициячи гуруҳ.*

ОППОНЕНТ [*лот.* opponens, opponentis — эътироз билдирувчи] **1** Очиқ суҳбат ёки баҳс-мунозарада қарши тараф. *Шундай қилиб, 1925 йилда оппонентлар позицияларининг хилма-хиллиги йироқ истиқболда бирбирига қўшилиб кетган.* Газетадан. *[Ёқуб:] Нима, бизнинг оппонентлар ҳеч нарса билмайдиган одамлармиа?* С. Зуннунова, Олов.

2 Диссертация ёки маърузани танқидий баҳолай оладиган, таҳлил қила биладиган мутахассис. *Умиднинг йигирма минут атрофидаги ҳимоя сўзидан кейин расмий оппонентлар сўзлади.* Мирмуҳсин, Умид.

ОППОН-СОППОН: оппон-соппон бўлмоқ Тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ. *У ҳамма ёқ оппон-соппон бўлганда келди.* ▬ *Катта уруш оппон-соппон бўлиб, йигитлар қайта бошлади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ОППОРТУНИЗМ [*фр.* opportunisme < *лот.* opportunus — фойдали, қулай] Мослашувчанлик, замонасозлик, иккиюзлама-

чилик; шундай хислатларни ўзига асос қилиб олган сиёсий оқим.

ОППОРТУНИСТ Оппортунизм тарафдори; оппортунизм сиёсатини амалга оширувчи шахс.

ОППОРТУНИСТИК Оппортунизмга оид, оппортунизм руҳидаги, оппортунизм сиёсатини юргизувчи. *Оппортунистик гуруҳ. Оппортунистик назария.*

ОППОҚ Оқ с. куч. *Оппоқ қор. Оппоқ ойдин.* ▬ *Йигит чаноқлардан тошиб чиққан оппоқ пахталарни кўрди-ю, ўзининг ҳам ёш чеҳраси шу чаноқлардай очилиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қиз бош яланг, сочлари турмакланган, оппоқ халат кийган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Оппоқ болам, оппоқ қизим *айн.* **оппоғим.** **Оппоқ қиз** Ҳар қандай қизга эркалатиб мурожаат этиш шакли. **Оппоқ қилиб кўрсатмоқ** Айбсиз, бегуноҳ қилиб кўрсатмоқ. *Сиз ҳам анойи эмассиз. Ўзингизни оппоқ қилиб кўрсатмай қўя қолинг.* М. Мансуров, Ёмби. **Оппоғим** Ўз боласини эркалатиш формаси. *Қўнғиз боласини, оппоғим, дейди, кирпи боласини, юмшоғим, дейди.* Мақол.

ОПТИК 1 Оптика ҳодисаларига оид. *Оптик кузатишлар.* ▬ *Бироқ бу ерда кузатишнинг оптик усулларидан узил-кесил воз кечмоқчи эмаслар.* Газетадан.

2 Оптикага оид, оптика билан боғлиқ. *Оптик асбоблар.*

ОПТИКА [*юн.* optike – кўриш ҳақидаги фан] **1** Физиканинг ёруғликнинг табиатини, ёруғлик ҳодисалари қонуниятларини, ёруғлик билан бошқа моддаларнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими. *Боболаримиз – Беруний, Мирзо Улуғбеклар назари тушган ҳикмат илми – оптика ҳамон навқирон.* «Фан ва турмуш».

2 Ёруғликнинг акс этиш ва синиш қонунларига асосланган асбоб-ускуналарнинг умумлашма номи. *«Киев» маркали фотоаппаратлар аъло сифатли оптикаси ва механикаси билан донг таратган.* Газетадан.

3 Кўзойнак, контакт линзалар танлаш ва сотиш учун ихтисослашган магазин.

ОПТИМАЛ [*лот.* optimus – энг яхши, энг мақбул] Энг мувофиқ, энг яхши, энг қулай. *Чигит экишнинг оптимал режими.* ▬ *Тананинг оптимал температураси нерв системасининг фаолияти туфайли вужудга келтирилади.* Э. Маҳмудов, Терлаш ва унинг аҳамияти.

ОПТИМЕТР [*юн.* optos – кўринувчи + metreo – ўлчайман] Ўта аниқ чизиқли ўлчамлар учун ишлатиладиган ричагли-оптик асбоб.

ОПТИМИЗМ [*лот.* optimus – энг яхши, энг мақбул] Келажакка ва умуман ҳар ишга ишонч билан қараш; ҳар бир нарсанинг яхши ва порлоқ томонини кўришга мойиллик. *Бизнинг дунёқарашимиз ҳаётбахш оптимизм билан суғорилган.* Газетадан.

ОПТИМИСТ Оптимизм руҳи билан суғорилган, ҳар нарсага, ҳаётга комил ишонч билан қаровчи, ундан завқланувчи киши.

ОПТИМИСТИК Оптимизм руҳи билан суғорилган, ҳар нарсага, ҳаётга комил ишонч билан қарайдиган, қувноқ, кўтаринки руҳдаги. *Оптимистик кайфият. Ҳаётга оптимистик кўз билан қарамоқ.* ▬ *Фақат умумий ишга қўлидан келганича улуш қўшаётганини чуқур англай билган кишигина зиддиятли ҳаётни оптимистик тарзда идрок эта олади.* «Фан ва турмуш».

ОПТИМИСТЛИК 1 Оптимистга хос хусусиятга эгалик. *Раҳим аканинг оптимистлиги, унинг оёққа туриб кетишига сабаб бўлди.* Газетадан.

2 *айн.* **оптимизм.**

ОПТОВА [*ф.* آفتابه – кўза] *шв.* Офтоба, обдаста. *Анорхон кампирни суяб турғизди, қучоқлаб сўридан пастга тушириб, оптовада сув келтириб берди.* И. Раҳим, Ихлос.

ОПЦИОН [*нем.* Option < *лот.* optio, optionis – танлаш; истак] **1** Шартнома шартларига кўра томонлардан бирига мажбуриятларни бажариш йўли, шакли, ҳажми, техникасини танлаб олиш учун берилган ҳуқуқ.

2 Сотувчи ёки харидорга қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларни муайян муддат давомида белгиланган нархларда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини берадиган шартнома.

ОР [*а.* عار – уят, шармандалик, номус; уялиш] **1** Ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш туйғуси; уят, номус. *Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.* Мақол. ▬ *Қишлоқда бировдан калтак ейиш азал-азалдан эр йигит учун ор саналади.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

Ор билмоқ Ўзига эп кўрмаслик. *Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашиш-*

ни, ёқа бўғишни [Йўлчи] ўзига ор билди. Ойбек, Танланган асарлар. **Ор қилмоқ (***ёки* **этмоқ)** Уялмоқ, номус қилмоқ, ўзига эп кўрмаслик. [*Раъно:*] *Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Ори келмоқ** Уялмоқ, номус қилмоқ. -*Йўқ, тоға, ўрганиб олдим,* — *деди уқувсизлигидан ори келган Қўзибой.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Обрў, фахр. *Нори борнинг ори бор.* Мақол. ▬ *Сен менинг чин ёримсан. Дилда йўғу боримсан, Ғам номусу оримсан, Ой бориб, омон келгил.* Т. Тўла.

ОРА I **1** Икки нарса ёки нуқта ўртасидаги масофа. *Москва билан Тошкент ораси 3500 километр. Колоннада машиналар ораси.* ▬ *Ора узоқ, қарийб бир километрча келар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Нарсалар ўртасидаги жой, бўшлиқ, майдон; очиқ ёки тешик жой. *Ғўза қаторлари орасини юмшатиш.* ▬ *Сени унда, мени мунда яратди. Орамизда оқар дарё яратди.* «Қўшиқлар». *Супаларнинг ораларига, атрофига анвои гуллар экилган.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Булутлар орасидан ойнинг бир парча кумуши кўриниб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Нарсаларнинг бир-бирига туташган жойи, ўртаси. *Этаги эшик орасига қисилиб қолди.* ▬ *Саман отлиқ, қамчисини буклаб, пиёзи чакмонининг ёқаси билан гардан орасига қистирди-да, отини қистаб, деворга яқинлашди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Тирноқ орасидан кир қидирмоқ *қ.* **тирноқ.**

4 Нарсаларнинг ичи, ўртаси. *Беда ораси жуда иссиқ, гўё қуёшнинг бутун олови беда ичига яширингандай.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Қатор, саф; тўда, давра. *Орамизда ҳар хил одамлар бор. Орамиздан яқин дўстимиз кетди.* ▬ *Буни ҳайданг.. орадан, жўралар! Яна ёлғонлар ила кўп Сизни сарсон қиладир.* Ҳамза. *Қўшин Тошкентга етган баъдида бизлар ташқаридан ва сизлар ичкаридан бўлиб, Мусулмонқулни орадан кўтаргаймиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Икки воқеа, ҳодиса ёки пайт ўртасида ўтган, ўтадиган вақт, фурсат *Меҳмонлар жўнаб, орадан сал вақт ўтмай Асрорқул келди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Орадан тўққиз йил ўтди. Булар тўрт бола кўришди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

Бу (*ёки* **шу) орада** 1) шу вақт ичида, маълум вақтдан бошлаб ўтган вақт давомида. *Иккала хатга ҳам тезда жавоб кела бермади. Бу орада жанглар бўлиб, Мирзаевнинг қисми — гвардиячи қисм, ўзи гвардиячи сержант бўлди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт; 2) бу (шу) ўртада, бу (шу) жойларда, яқин атрофда. -*Бу орада Ҳомид нима қилиб юрибдир, ўзига тузуккина бой киши эмасми эди? — деди Офтоб ойим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кун ора** Кун оша, икки кунда бир, орадан бир кун ўтиб. *Мулла Муҳсин, шу ҳовуздан кун ора сув ўтадими ё йўқ?* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Тез орада** *қ.* **тез 1. Яқин орада** 1) яқин вақт ичида, яқин кунлар ичида, шу кунларда. *Агар яқин орада ҳаво очилмай, сурункасига ёмғир ёғиб берса, нима қиламиз?* Н. Сафаров, Хадича Ахророва; 2) бу (шу) ўртада, яқин атрофда. *Яқин орадаги обжувоз пойкўпининг зарби ерни силкитиб, тўлқин берар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа. *Бу ҳақда энди бизнинг орамизда гап бўлмасин, ўртоқ Нурмонов.* С. Зуннунова, Олов. -*Ҳалиги гаплар ёлғонми! Орада ҳеч нарса.. бўлган эмасми? — сўради юмшоқланиб она.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ора очиқ (қилмоқ) 1) ўзаро ҳисоб-китоб тугади. [*Бой Ғофирга:*] *Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор. Шуларни пулга чақиб, орани очиқ қилиб қўйсак, деган эдим.* Ҳамза, Бой ила хизматчи; 2) орада юз берган англашилмовчилик ёки нохушлик тугади, икки томон баравар бўлди. -*Сен хато қилган бўлсанг, мен ҳам хато қилдим, ора очиқ, — деди Тўлаган қистаб келаётган кулгидан лаби пирпираб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Орага одам (***ёки* **киши) қўймоқ** Икки томонни битиштириш, улар ўртасидаги иш ҳақида келишиш учун учинчи бир шахсни воситачи қилиб юбормоқ. *Мендан ўзи хафа бўлган бўлса, орага киши қўйса ҳам бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Орага суқилмоқ** Бошқаларнинг гапига, суҳбатига ёки ишига аралашмоқ. *Дув орага суқилибди неча даллол: «Барака де, барака де, сен сот, сен ол!»* Ғ. Ғулом. **Орага тушмоқ (***ёки* **кирмоқ)** Ўзаро мунозара қилаётган, тортишаётган ёки уришаётган кишилар орасидаги ихтилофни бартараф қилиш учун уринмоқ. *Эр-хотин-*

нинг орасига эси кетган тушибди. Мақол. ▬ *Эр-хотиннинг орасига тушган киши баъзан ўша тобда, аксари кейинчалик сўкиш эшитади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Орада қолмоқ** Маълум кишилар ўртасидаги воқеалар ёки гапдан бошқалар хабар топмаслигига аҳдлашмоқ. *-Назар ака, — деди биринчи ёрдамчи босиқлик билан. — Гап орамизда қолди, деб ваъда бердингиз.* М. М. Дўст, Лолазор. **Орада (***ёки* **орага) қора тиканак бўлмоқ** *айн.* **тикан бўлмоқ** *қ.* **тикан. Орада(н) гап ўтди (***ёки* **қочди)** Икки томон ўртасида нохуш, бир-бирига қаттиқ тегадиган, айил ботадиган гап бўлди. *Сиз пайқамабсиз.. Орада жиндай гап қочди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. **Ораларидан қил (ҳам) ўтмайди** *қ.* **қил. Ора(ни) бузмоқ** Кишилар ўртасидаги алоқани, муносабатни ёмонлаштирмоқ, ўртага адоват солмоқ, дўстни душманга айлантирмоқ. *Бинойидек бош қўшиб турган икки элатнинг ораси яна бузилди-қуйди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Ораси яқин бўлмоқ** Ўзаро муносабати, алоқаси яхши бўлмоқ. *Яхшибоев раисни лақаби билан айтса ҳам, раиснинг ўзи заррача хафа бўлмасди, шундан билдимки, уларнинг ораси яқин.* М. М. Дўст, Лолазор.

8 3-ш. эгалик ва ў.-п. к. қўшимчалари билан кўмакчи вазифасида ишлатилади (*қ.* **орасида**).

ОРА II: **ора ойи** Қамария йил ҳисобидаги шаввол ва зулҳижжа оралиғидаги ой; зулқаъда.

ОРАБУЗАР Кишилар орасидаги муносабатни бузувчи, кишиларни бир-бирига ёмонлаб, улар ўртасида ихтилоф туғдиришга уринувчи. — *Бу гапни орабузар Салима ўйлаб топган бўлса керак, чунки менинг гулдек ҳаётимни кўришга кўзи йўқ.* «Ёшлик».

ОРАЗ I [*а.* عارض — ташқи кўриниш; юз, ёноқ] *поэт.* Чиройли юз, бет, чеҳра; жамол. *Оразингни, эй маҳваш, боғ аро намоён қил.* Муқимий. *Яшнамоқда оразинг гулзори доим навбаҳор, Суҳбатинг бўлса муяссар кимга, бўлғай бахтиёр.* Ҳабибий.

ОРАЗ II **1** Ўн икки мақом тизимидаги шўъба номи. *Оразі Наво, Оразі Дугоҳ.*

2 Сурнай йўлларидан бири.

ОРАЛАМОҚ 1 Ўртасидан, ичидан юрмоқ, ўтмоқ; кезмоқ. *Аҳмаджон.. немислар буталарни оралаб юз эллик метрча яқин келганда, устма-уст икки сидра ўқ ёғдирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қўшиқ оралайди оролма-орол, Асрлар уйқусин бузиб, уйғотиб.* Т. Тўла.

2 Яшириниб кирмоқ, пайдо бўлмоқ, доримоқ. *Қишлоққа бўрилар оралаб қолди.*

3 Суқилиб кирмоқ. *[Домла:] Жўрабой, кўнглингизга шайтон оралаб қолибди, калима келтиринг.* И. Султон, Бургутнинг парвози.

4 Аралашмоқ. *[Ботиржон:] Колхоз рўзғорига ҳаром қўл оралаганини сезиб, қараб туролмадим.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

5 Битта-ярим тушмоқ, ора-сира пайдо бўлмоқ. *Қори битта-иккита оқ оралаган чўққи соқолининг учини ушлаб илжайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Икки орада, кишилар ўртасида пайдо бўлмоқ, туғилмоқ. *[Опоғойи] Зайнаб сиқилмасмикин, икки ўртага совуқчилик оралмасмикин, деб қўрқади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кун оралаб Кун оша, орадан бир кун ўтказиб, кун ора. *Баъзан ҳар кун, баъзан кун оралаб кечқурун Унсинни кўргали [Йўлчи] Шокир отаникига келди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ой оралаб** Орадан бир ой ўтказиб, бир ой оша. *Журнал ой оралаб чиқади.*

ОРАЛАТМОҚ 1 Ораламоқ 1, 2, 3, 4 фл. орт. н.

2 Қатордаги киши ёки нарсалардан бирини қолдириб ўтмоқ. *Ғўзани оралатиб суғормоқ.* ▬ *Ҳадеб менга бераверасанларми, оралатиб Жаннат опамга ҳам бериб қўй, ха-ха-ха!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кун оралатиб *айн.* **кун оралаб** *қ.* **ораламоқ.** *Кун оралатиб келиб турмоқ.*

ОРАЛИҚ 1 Нарсалар ўртасидаги жой, масофа. *Тоғ оралиғи.* ▬ *Студентлар ётоқхонаси. Кичикроқ хонада икки каравот, оралиқда тумбочка.* М. Бобоев, Гўзаллик истаб. *Ҳалиги отлиқ яна кўринди. Оралиқ тобора қисқара борди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Икки пайт, он, лаҳза ўртасидаги вақт. *Кичик вақт оралиғи.*

3 *тиб.* Одам дум суягининг учи ва қуймич дўмбоқлари оралиғида ётган юмшоқ тўқималар йиғиндиси.

Оралиқ назорат Талабаларни машғулотлар, муайян дарс соатлари ўтгандан кейин синаш, баҳолаш усули. *Оралиқ назоратни ўтказмоқ.* **Оралиқ экинлар** Асосий экинлар ҳосили йиғиб олингандан кейин экиладиган қўшма экинлар (алмашлаб экишда).

Ўзбекистонда оралиқ экинларни етиштириш учун ниҳоятда қулай шароит мавжуд. «Фан ва турмуш».

ОРАНГУТАНГ [*малайяча* orang hutan – ўрмон одами] Одамсимон маймунлар уруғининг ягона тури.

ОРАНЖЕРЕЯ [*фр.* orangerie < orange – апельсин] Ноодатий иқлим шароитида ўсимликларни қишлатиш, совуқдан сақлаш, қишда ҳам ўстириш учун зарур шароитлар муҳайё қилинган ойнаванд бино.

ОРАОЧДИ Кишилар орасида ўзаро муносабатдаги нохушлик ёки англашилмовчиликни ҳал қилувчи мулоқот. *Энг безозор дала сайилларида ҳам душманларини кўриб қолишдан чўчиб, баъзан эса ораочдининг тезроқ рўй беришини истарди.* «Ёшлик».

ОРАСИДА *кўм. взф.* **1** Ўртасида, ичида. *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сел шаршараси, момақалдироқ гулдураши орасида Баҳромнинг қулоғига қўй маърагани чалингандай бўлди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

2 Давомида, мобайнида. *Бу кунги беш дақиқа орасида бўлиб ўтган воқеани [Отабек] ҳеч бир йўсин билан миясига сиғдира олмас.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Вақт шом билан хуфтон орасида эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўртасида, чегарасида. *Меҳмонларнинг аксари ўрта ёшли – ўттиз-қирқ орасидаги одамлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ичида. *Қий-чув орасида заиф йиғи товуши ҳам келиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Отабек Кумушга:] Бу телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзганга ўхшайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Ўртасида (қиёслашда). *Товуқ билан одам орасида қанча фарқ бўлса, бу икки жониворнинг муҳаббати орасида ҳам шунча фарқ бор.* А. Қаҳҳор, Мастон.

ОРА-СИРА *рвш.* **1** Гоҳо-гоҳо, баъзи-баъзида. *Чирилдоқлар тинимсиз чириллар, ора-сира пастдан – қишлоқ томондан итларнинг ҳургани эшитиларди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *У [Ғуломжон] томоғини ора-сира қириб, энтикиб туриб гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Унда-мунда, у ер-бу ерда. *Анвар машиналарнинг ишини кўриб қувониб кетди. Бироқ ора-сира ғалтаклар ҳам, замбиллар ҳам кўриниб қоларди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОРАСТА [*ф.* آراسته – безатилган, зийнатланган; тарбияли, одобли] Тартибга солинган, оро берилган, ясатилган, безатилган. *Тилларанг сочлари ораста қилиб таралган, кўзлари ҳаворанг бу жувон, қўлларини халати чўнтагига тиққанича, бизга кулиб қараб турарди.* «Ёшлик». *Тонг ёришмасдан туриб, қўлига супурги олади-да, ярим соатга қолмай ҳаммаёқни ораста қилиб қўяди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ОРАСТАЛИК Ораста хусусиятга эгалик, тартибга солинганлик. *Ҳовлидаги орасталик уй эгасининг яхши дид эгаси эканлигидан далолат эди.* «Ёшлик».

ОРАТОР [*лот.* orator < orare – гапирмоқ, сўзламоқ; илтижо қилмоқ] Нутқ сўзловчи, нотиқ. *Сиз ажойиб оратор – нотиқсиз, Баширжон ака.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳақиқий нотиқлар, тажрибали ораторлар соатлаб гапира оладилар.* «Саодат».

ОРАТОРИЯ [*итал.* oratorio < *лот.* oratorium – ибодатхона] Умумий хор, якка ашулачи ва симфоник оркестр учун ёзилган драматик сюжетли йирик мусиқа асари. *И. Акбаровнинг «Тошкентнома» ораторияси унинг ижодида алоҳида ўрин эгаллайди.* Газетадан. *Йигирмата шоир ҳашар қилиб, «Тантана» деган манзума ёздилар. Бастакорлар куй басталадилар – оратория бўлди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОРАТОРЛИК Сўзамоллик, гапга чечанлик; нотиқлик. *Ораторлик санъати.*

ОРА-ЧИРА, ора-чора *айн.* **ора-сира.** *Профессор ора-чира ҳазил-мутойиба гап ҳам ташлаб қўяр, давлат, мулк топилиши, аммо инсон топилмаслиги ҳақида гапириб ҳам қўярди.* Мирмуҳсин, Умид. *У ора-чора табибчилик билан ҳам шуғулланарди.* «Ёшлик».

ОРБИТА [*лот.* orbita – йўл, из; бўшлиқ, чуқурлик] *астр.* Ихтиёрий табиий ёки сунъий космик жисмнинг фазода бошқа осмон жисмига нисбатан ҳаракатланиш йўли (мас., Ернинг Қуёш атрофидаги йўли Ер орбитаси дейилади). *Ракетанинг сўнгги босқичи автоматик планетааро станцияни мўлжалдаги орбитага олиб чиқди.* Газетадан. *Озиқ-овқат, асбоб-ускуна ва аппаратлар, шунингдек, хат-хабарлар орбитага етказилди.* Газетадан.

ОРБИТАЛ Орбитага оид, орбитага тегишли; орбитададаги. *Ер суньий йўлдошининг орбитал ҳаракати. Космик орбитал станция.* ▬ *Мутлақо кутилмаганда «Салют-7» орбитал станцияси билан алоқа узилди.* «Фан ва турмуш».

ОРГАН I [*юн.* organon — қурол, асбоб] **1** Одам, ҳайвон, ўсимлик ва умуман, жонли организмларнинг маълум бир вазифаларни бажарадиган қисми; аъзо. *Сезги органлари. Эшитиш органи.*

2 Ҳаётнинг муайян бир соҳасида белгили вазифаларни бажарувчи муассаса, ташкилот. *Орган ходимларига Бегматовнинг яширинмай, очиқчасига бемалол юриши ёқмас эди.* «Ёшлик». *Бу қарорга биноан, ОАК Олий ва ўрта таълим вазирлиги қарамоғидан олиниб, Вазирлар Маҳкамасининг органига айлантирилди.* «Фан ва турмуш».

3 Бирор партия, ташкилот ёки муассаса томонидан нашр қилинадиган ва шу ташкилотнинг қарашларини акс эттирадиган вақтли матбуот. *«Шарқ юлдузи» журнали — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг органидир.*

4 *тех.* Механизм ва машиналарнинг маълум вазифани бажарадиган мураккаб мустақил қисми. *Тракторнинг бошқариш органи.* ▬ *Роботнинг ишчи органи — ҳаракат қилувчи ва юмуш бажарувчи механик қўли одамнинг қўлига ўхшайди.* «Фан ва турмуш».

ОРГАН II [*юн.* organon — қурол, асбоб] Дамли-клавишли, трубаларига юборилган ҳаво ёрдамида чалинадиган мусиқа чолғу асбоби. *Орган 14-асрдан Ғарбий Европада аввал черков, кейинчалик дунёвий чолғу асбоби сифатида кенг тарқалган.* «ЎзМЭ».

ОРГАНИЗМ [*лот.* organismus < *юн.* organon — қурол, асбоб] Ҳар қандай тирик мавжудот. *Соғлом организм.* ▬ *Очиқ ҳавода сайр қилиш бола организми учун ниҳоятда фойдалидир.* «Фан ва турмуш». *Олма шарбати организмни бақувват қилади.* «Саодат».

ОРГА́НИК Органик кимё мутахассиси, олими.

ОРГАНИ́К I **1** Организмга, жонли мавжудотга оид, тирик мавжудотлар билан боғлиқ бўлган; тирик, жонли. *Органик дунёнинг тараққиёт қонунлари.* ▬ *Йод органик бирикма сифатида барча тирик организмларда бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 Ҳайвон ёки ўсимликларнинг чиришидан ҳосил бўлган; тирик организмлар маҳсулидан олинган. *Органик модда. Органик ўғитлар.*

Органик кимё Кимёнинг углерод бирикмаларини, уларнинг турли хил ўзгаришларини ўрганувчи бўлими.

ОРГАНИ́К II *айн.* **узвий 2.** *Органик равишда боғланган масалалар.*

ОРГАНИСТ Орган чалувчи мусиқачи; орган созловчи ёки таъмирловчи уста.

ОРДЕН I [*нем.* Orden < *фр.* ordre < *лот.* ordo, ordinis — қатор, даража; тартиб; тузум] Ҳарбий ёки гражданлик бурчини намунали бажарганлик учун бериладиган турли даража ва номдаги нишон, мукофот. *«Соғлом авлод учун» ордени. Орден билан мукофотламоқ.* ▬ *Халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришган кишилар шу қимматли металлдан тайёрланган орден ва медаллар билан тақдирланади.* «Фан ва турмуш».

ОРДЕН II [*лот.* ordo, ordinis] Католик монахларнинг муайян низомномага эга бўлган ташкилоти.

ОРДЕНДОР *айн.* **орденли.**

ОРДЕНЛИ Орден олган, орден билан мукофотланган. *«Дўстлик» орденли ўқитувчи.*

ОРДЕР [*нем.* Order < *фр.* ordre — тартиб, буйруқ < *лот.* ordo — қатор, тартиб] **1** Бирор нарсани олиш, бериш, бирор ишни бажариш ҳақида берилган ижозат қоғози, буйруқ варақаси, расмий ҳужжат. *Квартира (олиш) учун берилган ордер. Ордер бланкаси.* ▬ *Умид ғоятда хурсанд, икки хонали квартирага ордер олган куниёқ, даров кўчиб келди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Бухгалтерияда: пул маблағлари ёки моддий бойликлар билан операцияларни амалга оширишга оид ҳужжат. *Тўлов ордери. Касса ордери.*

ОРДИНАРЕЦ [*фр.* ordonnance — хабар берувчи; чопар] *ҳарб.* Командир ёки штаб ҳузурида ҳар хил топшириқларни бажарувчи ҳарбий хизматчи. *Тўламат урушда.. қайси бир генералга ординарец бўлган экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

ОРДИНАТА [*лот.* ordinatus — тартибланган; тартиб билан жойлаштирилган] *мат.* Фазодаги нуқтанинг вазиятини аниқловчи уч координатадан бири.

ОРДИНАТОР [*лот.* ordinator – бошқарувчи; тартибга келтирувчи] Шифохоналарда (касалхона, клиника ва ш.к. да) тадқиқот ва даволаш ишини бажарувчи, одатда бўлим мудири раҳбарлиги остида ишловчи врач.

ОРДИНАТУРА [*лот.* ordinator – бошқарувчи; тартибга солувчи] *тиб.* **1** Ординатор иши, вазифаси; ординаторлик.

2 Амалий тиббиёт аспирантурасининг бир тури. *Клиника ординатураси.*

ОРДОНА Эгасиз қолган, эгаси ўлган; сабил. *Ордона кетмонни узат! Ордона қолгур (қолсин)! (қарғ.).* ▬ *Ҳа, ордона, менинг айтганларим у ёқда қолиб, ўзингизнинг дардингизда юрган экансиз-да!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. -*Қуриб кетсин! – деди у [жувон] йиғламсираб. – Ўқишинг бошингдан ордона қолсин, Мастон!* А. Қаҳҳор, Мастон.

ОРЗИҚМОҚ [*асли* **орзу қилмоқ**] Қаттиқ истамоқ, эришиш, етишиш истаги билан ёнмоқ; интизор, муштоқ бўлмоқ. *О, юрак, ёр келмай, орзиққанинг келмай туриб мунча ўртанмасанг!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ўз номи чақирилишини орзиқиб кутган Холмурод зипиллаб саҳна олдига борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Юраги (*ёки* **кўнгли) орзиқмоқ** Юраги дукилламоқ, юраги шув этиб кетмоқ (шодлик, қўрқув, ҳаяжон каби туйғулардан). *Балки, муҳаббат шудир? Бўлмаса, нега юрагим орзиқади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ОРЗУ [*ф.* آرزو – хоҳиш, интилиш; истак] Дилдаги истак; эзгу умид; интилиш. *Орзу қилмоқ. Орзуга етмоқ. Орзуга эришмоқ. Орзуга айб йўқ.* Мақол. *Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу!* Мақол. ▬ *Умид орзу қилган турмуш сароб бўлиб қолаётганга ўхшарди.* Мирмуҳсин, Умид.

Орзуси ушалмоқ *қ.* **ушалмоқ. Бола-чақаларнинг орзусига етинг** Болаларни ўстириб-ундириб, уйлаб-жойлаб, тўй-томошаларини кўринг, бахтли-саодатли бўлишларига эришинг. *[Нусрат хола:] Бола-чақангизнинг орзусини кўринг, оталик қилдингиз.* Ойдин, Эр юрак.

ОРЗУ-АРМОН Дилдаги орзу ва армонлар. *Бирор киши, нима қилмоқчисан, қандай орзу-армонларинг бор, деб сўрагани, шу ҳам одам-ку, деб гапимга қулоқ солгани йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОРЗУ-ИСТАК *айн.* **орзу-армон.** *Қайта қуриш ва ошкоралик меваларини кўрмоқ ҳар бир виждонли кишининг орзу-истагидир.* Газетадан.

ОРЗУЛАМОҚ Орзу қилмоқ, муштоқ бўлмоқ, ҳаваси келмоқ. *Ёқимтой бўл ҳар ерда, Мактаб, кино, лагерда. Ҳар сўзингдан бол томсин, Кўрган орзулаб қолсин.* Қ. Муҳаммадий.

ОРЗУЛИ 1 Кўпдан бери орзу қилинган, орзиқиб кутилган; кўнгилдаги. *Орзули тўй.* ▬ *Отабекнинг орзули келин олдига кирмаслиги важидан Ўзбек ойим аччиғланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Орзулар билан тўлиб-тошган. *Орзули дунё.*

ОРЗУМАНД [*ф.* آرزومند – истовчи, хоҳловчи, интилувчи; орзу қилувчи] Орзу қилувчи, истовчи; интизор, муштоқ. *У сени бир кўришга орзуманд.* ▬ *Нусратбек машшоқларнинг бир-икки ашуласини эшитишга орзуманд эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. -*Суҳбатингизга орзуманд эдик, шошманг, марҳамат қилинг! – дастурхонга ишорат қилди Олимхон.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОРЗУМАНДА [*ф.* آرزومنده] *с.т.* Орзуманд. *[Тўпа хола:] Анорхон сиз билан гаплашгани орзуманда эди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Урушга орзумандамисиз, мана бу бойвачча укангизни олиб жўнайверинг, йўл очиқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОРЗУМАНДЛИК Орзумандга хос хусусият; муштоқлик. *Раим оқсоқол гапдан тўхтади, кўзларида ёнган орзумандлик бирдан ўчди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОРЗУ-УМИД Дилдаги орзу ва умидлар, истаклар. *Икки ёшнинг орзу-умидлари, ғоялари бор.* Ойбек, Нур қидириб.

ОРЗУ-ХАЁЛ Истак, умид ва ўй-фикр. *Дангасанинг орзу-хаёли – чўкиб кетган хумча мисоли.* Мақол.

ОРЗУ-ЎЙ *айн.* **орзу-хаёл.** *Аллаларда онанинг руҳий дунёси, фарзандга бўлган муҳаббати, орзу-ўйлари акс этади.* «Саодат».

ОРЗУ-ҲАВАС 1 Дилдаги эзгу истак ва ниятлар. *[Ғуломжон] Қалбидаги тилак ва истакларни аввалги куни дадил айтолмаган бўлса, эртасига ҳаммасини – бутун орзу-ҳавасини, севги ва сезгисини очиқ айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Орзули катта тўй-томошалар, тантанали маросимлар. *-Не-не орзу-ҳаваслар билан келин қилган эдим, — ҳасратини тўка бошлади энамиз, — кўнглимдагидай чиқмади.* «Ёшлик». *Ҳалиги мен айтган ўртоғимнинг ота-оналари.. орзу-ҳавас қидириб, бечора қизларини қаритиб қўйдилар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Орзу-ҳавас кўрмоқ Бола-чақаларини ўстириб-ундириб, уйлаб-жойлаб, барча тўй-маросимларини, қувончларини кўрмоқ. *Худога шукур, тўй кўрдим, чимилдиққа кирдим, орзу-ҳавас кўрдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Биз бурун замонда шунча давлат билан бу хилда орзу-ҳавас кўрган эмасмиз.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

ОРЗУ-ҲАВАСЛИ Орзу-ҳавас қиладиган; дабдабали тўй-маросимларни яхши кўрадиган ва уларни ўтказишга қурби етадиган. *Орзу-ҳавасли жойни қидирмасдан, қизларини бир кишига бериб қўя қолсалар, албатта, бу савдолар йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОРИГА́МИ [*яп.*] Қоғоздан турли шакллар, буюмлар ясаш санъати. *Тошкентда Япониянинг оригами санъати бўйича дарслар бошланди.* Газетадан.

ОРИГИНАЛ I [*лот.* originalis — илк, дастлабки; асл, туғма; ўзига хос] **1** Асл нусха; бирор асар ёки нарсанинг бевосита муаллиф ёки ихтирочи томонидан яратилган нусхаси; асли. *Мақоланинг оригинали.* ▬ *[Ҳофиз] Асарларининг оригинали билан танишишга ҳам имкон бериш ниятида китоб форс ва ўзбек тилларида нашрга тайёрланди.* Ш. Шомуҳамедов, Ҳофиз.

2 Нашр, чоп этиш учун асос бўлиб хизмат қилган қўлёзма; кўпайтирилиш учун мўлжалланган тасвир, фотосурат ва ш.к.

3 Бошқа тилга таржима қилишга асос бўлган матн.

ОРИГИНАЛ II Бошқаларга ўхшамайдиган, ўзига хос; ажойиб. *Оригинал безаклар. Оригинал конструкция. Раққосанинг оригинал портрети.* ▬ *Театримизнинг қадрдони, олим ва драматург Иззат Султон «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» деган оригинал асар ёзиб берди.* Газетадан.

ОРИЕНТАЦИЯ [*фр.* orientation — шарқ томон йўналиш < *лот.* orient, orientis — шарқ] **1** Дунё томонларига (шарқ, ғарб, шимол ва жанубга) нисбатан ўзининг турган жойини, қаердалигини аниқлаш, белгилаш (дастлаб — шарққа нисбатан аниқлаш). *Бир жойда туриб, горизонт томонларини топа билиш ориентация олиш деб аталади.* «География».

2 *кўчма* Ўз фаолиятида бирор кимса, нарса, маслак, йўналиш ва ш.к. га қараб иш тутиш.

ОРИЕНТИР [«ориентация» с. дан] Ҳаракат йўналишини, дунё томонларини, ўзи турган жойини аниқлашга ёрдам берадиган, яхши кўриниб турадиган ва қимирламайдиган нарсалар (мас., алоҳида дарахт, бино, тепалик); аниқлагич; кўрсаткич. *Радиооператор эфирга ориентир берар эди.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

ОРИЙ I [*лот.* Aryan < *юн.* Ariana (Ариана) ва *санскр.* Арьяварта — мазкур номдаги қабилалар яшаган жой номи (ҳозирги Афғонистон ҳудудида) санскритда «келгинди», «бегона», «хўжайин» маъноларида ҳам қўлланган] Ҳинд-европа, энг асосан ҳинд-эрон халқларининг умумий шартли номи.

ОРИЙ II [*ф.* آری — ҳа; шундай; ҳақиқатан] *тасд. юкл., эск. кт.* Ҳа шундоқ; рост; албатта, ҳақиқатан. *Орий, мирзам, камина бу бобда мақтанса арзийдур.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ОРИФ [*а.* عارف — билувчи, хабардор] **1** *эск. кт.* Илм билан ахлоқий етукликка эришган шахс, маърифатли, билимдон, доно. *Нодонлар илкида ориф қисмати, Руҳсиз сурат каби тебранар ҳаёт..* Ҳ. Асқар, Ёшлик.

2 Ориф (эркаклар исми).

ОРИФЛИК Орифга хос хусусият. *Маърузаларда мумтоз адабиётга доир мақолалар тўғрисида бирор жўяли фикр йўқлиги, танқидчилар ижодида орифлик кам кўринаётганлиги алоҳида таъкидланади.* Газетадан.

ОРИЯТ [*а.* عاريّت — бировдан вақтинча олинган нарса; қарзга берилган буюм] **1** Ор-номус; иззати нафс. *Ориятинг бўлса, сен ҳам далага чиқ, кучингни кетмонда кўрсат, мен сени мард билай.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ёш эмасми, бирдан унинг орияти қўзғалди, Шартта пастга тушди у ҳам, У ҳам яёв йўл олди.* А. Орипов, Йиллар армони.

Орият талашмоқ Ор-номус талашмоқ, ўз иззати нафсини ҳимоя қилмоқ, обрўни қўлдан бермаслик, ўз обрўйига доғ туширмаслик учун курашмоқ.

2 Уят, шарм; ор. *Бойлар етимчани чўри қилишга ҳам орият қилади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Орияти келмоқ Ор қилмоқ, уялмоқ.

3 *сфт. эск.* Асли ўзиники бўлмаган, бировдан вақтинча сўраб олинган. *Орият тўн.* ▬ *Масалан, Саримсоқ, унга ерни ҳукумат берган. Орият ер.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ОРИЯТЛИ Ор-номусни биладиган, ўз обрўйини қадрлайдиган; номусли. *Ориятли одам.* ▬ *Акбарали ориятли одам! Қасд олмай қўймайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОРИЯТМАНД *айн.* **ориятли.** *Мурод аканинг ориятманд одамларга ўхшаш, ўзи тўқиган тарихи йўқ.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОРИЯТНИШИН [*а. + ф.* عاريّتنشين – вақтинча ўтирувчи, яшовчи] *кам қўлл. кт.* Бировнинг уй-жойида вақтинча истиқомат қилувчи; ижарачи. *[Маъсумхўжа] Ҳамма талабаларга, айниқса, қашшоқ ва ориятнишинларга ҳурмат аралаш муҳаббат билан салом берар ва меҳрибончилик билан ҳол-аҳвол сўрарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ОРИЯТСИЗ Ор-номусни билмайдиган, ўз обрўйини қадрламайдиган; номуссиз, орсиз. *Ориятсиз одам.*

ОРИЯТСИЗЛИК Ориятсиз кишиларга хос хатти-ҳаракат, қилиқ, иш. *Ориятсизлик қилмоқ.*

ОРИЯТЧАН Жуда ҳам ориятли, обрўйига доғ туширмасликка, гард юқтирмасликка қаттиқ тиришувчи; номусли.

ОРИЯТЧИ *айн.* **ориятчан.**

ОРИҚ Баданига эт битмаган; озғин, камгўшт. *Ориқ одам. Ориқ қўй. Ориқ отга чанг юқар.* Мақол. ▬ *Пўстакда сўлжайиб ўтирган ориқ боланинг нурсиз кўзлари ҳали ўртадаги унда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Ориқ ер Ўсимликка керакли озиқ моддалари етишмайдиган, камҳосил ер. *Холбой минг йилдан бери устида мол боқиб келинган хирмонтепадан нуқул тупроқни келтириб, қақшаб ётган ориқ ерга солинишини кераклигини билиб олди.* К. Яшин, Ҳамза.

ОРИҚЛАМОҚ 1 Эти қочиб озғин тортмоқ; озмоқ. *Нусратбек холасининг ориқлаб, суяклари кўйлагини туртиб турган елкасига, косовдай қўлларига қараб, маъюс тортиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Кучи, ҳосилдорлиги кетмоқ, камаймоқ. *Устига-устак, сурункасига пахта экилган ерлар ориқлаб, ҳосил камаяди, ҳар хил қурт-қумурсқа кўпаяди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ОРИҚЛИК Озғинлик, камгўштлик; шундай хусусиятга эгалик. *Мол ориқликда билинади, йигит – ғарибликда.* Мақол. ▬ *Баданнинг ташқи кўриниши офатлари – ўтакетган семизлик ва ўтакетган ориқлик.* «Саодат».

ОРИҚ-ТИРИҚ Жуда ҳам ориқ, рамақижон. *Биздан сўнг яна учта-тўртта дўкондор кириб келади. Ориқ-тириқ, зиқна, кўпчилиги пасткаш одамлар.* Ойбек, Болалик. *Ем-хашак йўқ, бир пой ҳўкиз ориқ-тириқ.* Ғ. Ғулом.

ОРКЕСТР [*фр.* orchestre – театрдаги ўтириш жойи < *юн.* ochestra – рақс майдончаси; юнон театрида саҳнанинг олд майдончаси] **1** Мусиқа асарини биргаликда ижро этадиган турли хил чолғу асбоблари йиғиндиси ва шу асбобларни чалувчи мусиқачилар жамоаси. *Торли оркестр. Симфоник оркестр. Оркестр садоси.* ▬ *Миллий чолғу асбоблари оркестри халқ куйларидан ижро этди, қизлар ўйин тушди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

2 Театр саҳнаси олдида мусиқачилар учун қилинган махсус жой.

ОРКЕСТРАНТ Оркестр чолғучиси; оркестр иштирокчиси. *Шу давр ичида ўқув даргоҳимизда 3 мингдан ортиқ юқори малакали пианиночилар, оркестрантлар ва халқ чолғулари ижрочилари тайёрланди.* Газетадан.

ОРЛАНМОҚ Ор-номус қилмоқ, уялмоқ; тортинмоқ, ўзига муносиб кўрмаслик. *Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.* Мақол. ▬ *-Мен шу чоққача, – деди Хушрўй, – бандасига бош эгишни ва бандаси олдида тавба қилишни ор билдим ва шу орланишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОРЛИ *айн.* **ориятли.** *Орли одам.*

ОРНАМЕНТ [*лот.* ornamentum – безак, нақш < ornare – беза(т)моқ] Геометрик шакллар билан ўсимлик ёки ҳайвонлар оламидан олинган тасвирларни ритмик тартибда қўшиб, уйғунлаштириб ишланган бўёқли, ўйма ёки чизма нақш, безак.

ОРНИТОЛОГИЯ [*юн.* ornis, ornithos – қуш + logos – фан, таълимот] Қушларни ўрганувчи соҳа. *1884 йилда орнитология соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва амалий*

ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Халқаро орнитологлар комитети тузилди. «ЎзМЭ».

ОР-НОМУС 1 Хижолат тортиш, уялиш туйғуси; уят, ор, номус. *Ор-номуси йўқ одам.* ▬ *Муҳтожлик – инсон ор-номусига тажовуз қилади, иродасини букади, чора ахтартиради.* «Ёшлик».

2 Кишини улуғлайдиган, унга нисбатан ҳурмат туғдирадиган иш, нарса ёки хислат-фазилат; шон-шараф. *[Сидиқ:] Муҳаббат севгини, ор-номусни товламачи бир савдогарга сотди, виждонни латта-путтага айирбош қилди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ОР-НОМУСЛИ Ор ва номуси бор; ориятли, орли. *Ор-номусли одам.* ▬ *Дунёда яхши умр сурдинг, ор-номусли, адолатли яшадинг.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ОРО [*ф.* آرا – безатувчи, зеб берувчи] *кт.* **1** *айн.* **оройиш.**

Оро бермоқ Зеб бермоқ, безамоқ; пардозламоқ. *Французлар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат ўзига оро бермаган, парваришсиз аёлларгина бор, деб ҳисоблашади.* «Саодат». *Тўлган ойдек, тўлғаниб, ул қомати зебо яна, Ўз жамолига бериб пардоз ила оро яна.* Ҳабибий. *Қир бағрига қўйин ёяр чўпонлари, Боғларига оро берар боғбонлари.* Я. Қурбон.

2 Баъзи отларга қўшилиб, «безак, безовчи, қизитувчи, шодлик бағишловчи» каби маънолар беради, мас., *жаҳоноро, мажлисоро, суҳбаторо.*

ОРОЙИШ [*ф.* آرایش – безак, зийнат; кийим-кечак; саф тортиш, тартиб] *кт.* Зеб, зийнат, пардоз, оро; чирой. *Яхши либос танга оройиш, Яхши йўлдош жонга осойиш.* Мақол. ▬ *Борисов кийим-бошларини кўздан кечириб, ўзига оройиш берди-да, бигиз бўлиб уфққа санчилиб кетган йўлга қаради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ОРОЛ Атрофи, ҳамма томони океан, денгиз, дарё ёки кўл суви билан ўралган қуруқлик. *Сахалин ороли. Қрим ярим ороли.* ▬ *Дала шийпони кўм-кўк пахтазор ўртасида оролга ўхшаб туради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Филиппин оролларида яшовчи халқларнинг энг севимли, ноёб таоми митти балиқлардир.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ОРОЛАНМОҚ *поэт.* Безанмоқ, ясанмоқ; гўзаллашмоқ. *Яхши оролан, безан, э боғлар, мавсум учун.* «Гулистон».

ОРОМ [*ф.* آرام – тинчлик, хотиржамлик; дам олиш, ҳордиқ] Жон-тан роҳати; дам олишдан, тинчликдан, осойишталикдан топиладиган роҳат, ҳузур. *Ором бермоқ. Ором олмоқ.* ▬ *[Навкарларнинг] Ҳайқириқ ва сўкинишлари.. бева-бечораларнинг оромини бузар ва чўчитарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Сув жилдираб оқар, унинг салқини кун бўйи иссиқдан пишган қизларга ором бағишларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Нафси ором олди Нафси қонди. *Асрор муздек сувдан симириб, нафси ором олди.* «Ёшлик». **Ороми бузилмоқ** Осойишталиги, тинчлигига халал етмоқ. *Нормўмин бўла бошлаганимни биламан, уйдагиларнинг ороми бузилди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Тинчлик, осойишталик. *Сокин тун оромини онанинг ноласи бузди: -Ёлғизимдан жудо қилдинглар-ку, қон қусгурлар.* Газетадан.

ОРОМБАХШ [*ф.* آرامبخش – тинчлик, хотиржамлик бағишловчи] Ором берувчи; роҳат, ҳузур, осойишталик бағишловчи. *Оромбахш шабада.* ▬ *Эй, қуёшли республикам, сен Шарқ машъали, Оромбахшдир қучоқларинг, тотли, нашъали.* Ғайратий. *Хонага баҳор ҳавосининг оромбахш нафаси кирди.* Газетадан.

ОРОМГОҲ [*ф.* آرامگاه – дахма, мақбара; дам, ором олиш хонаси] **1** Кишилар дам оладиган, роҳат қиладиган жой. *Раҳимага ҳамроҳ бўлиб келганларнинг кўпи йўлнинг нариги бетида – ёнғоқзордаги меҳмонлар учун қурилган оромгоҳда қолишди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилда дам олиши учун қурилган жой. *«Соғлом авлод йили»да 26 мингдан зиёд ўғил-қизлар вилоятимиз ёзги оромгоҳларида дам олиб, янги куч-ғайрат тўпладилар.* Газетадан. *Ёз фаслининг жазирамасида таътилни мазмунли ўтказишни истаган болажонларнинг аксарияти турли оромгоҳларга ошиқадилар.* Газетадан.

ОРОМИЖОН [*ф.* آرامجان – маҳбуб, маҳбуба; юпатувчи, тинчлантирувчи] **1** Танга ором берувчи. *Оромижон ичимлик хиллари тобора кўпайиб боряпти.* «Фан ва турмуш». *Муздек сувда яйраб-яшнаб қулоч отиш бир роҳатижон, ўзни офтобга тоблаб ётиш бир оромижон.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кўчма* Севикли ёр, маҳбуба. *Эй менинг нозик ниҳол, оромижоним, қайдасан, Бу кўн-*

гил бўстонида ғунча даҳоним, қайдасан? Машраб.

ОРОМИЙЛАР Арабистон ярим оролидан чиққан ва милоддан аввалги 14—11-асрларда Ғарбий Осиё бўйлаб тарқалган кўчманчи сомий қабилалар.

ОРОМКУРСИ *айн.* **кресло.** *Улар тушликдан қайтиб, Одиловнинг бўлинмасидаги оромкурсиларга ўтирдилар.* «Ёшлик». *Жобу қишлоғида бир гуруҳ дугоналар Шўрчи мебель фабрикасининг чапдаст усталарини лол қолдириб, диван, оромкурси ясамоқдалар.* Газетадан.

ОРОМЛАНМОҚ *кам қўлл.* Ором олмоқ, тинчланмоқ, роҳат қилмоқ.

ОРОМСИЗ Ороми йўқ, нотинч, беором. *Оромсиз кунлар.*

ОРОМСИЗЛИК Оромини йўқотган кишининг ҳолати; нотинчлик, беоромлик; бетоқатлик. *Шу йўсин оромсизлик ва бесаранжомлик ичида унинг [Отабекнинг] ойкунлари ўтиб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОРСИЗ Беор, ориятсиз, ори йўқ. *Орсиз одамдан қоч.* Мақол.

ОРСИЗЛИК Орияти, ори йўқлик. *Отанинг ўлими ҳақидаги машъум сўзлар ғам-ғусса ёки дард-алам билан эмас, маст-аласт бақириққа қўшиб, орсизлик билан ўқилмоқда эди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОРТ 1 Кимса ёки нарсанинг юз, бет, олд томонига тескари томон; орқа, кет. *Ортга қарамоқ. Ортга тисарилмоқ. Ортда қолмоқ. Ортидан бормоқ. Юк машинанинг ортидаги прицеп.* ▬ *Ёрмат бошини ортга, хотини томонга буриб, ўкрайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор нарсадан нариги томон; нариги, у ёқ. *Девор ортида бир одам бор.* ▬ *Қуёш олтин баркаш бўлиб, уфқ ортига яширинишибилан салқин тушади.* Газетадан.

3 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п. к. ва ч.к. қўшимчалари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (*қ.* **ортига, ортида, ортидан**). *Муаммони ҳал қилиш учун бу иш ортидан кўп югурди. Бормаган ташкилоти қолмади.* Газетадан.

ОРТИГА *айн.* **орқасига.**

ОРТИДА *айн.* **орқасида. Егани олдида, емагани ортида** *қ.* **емоқ.**

ОРТИДАН *айн.* **орқасидан 3.** *Ўринбой бир сўзни икки қилмай, хаёл суриб чиқиб кетди, раис унинг ортидан илжайиб қолди.* Ойдин, Юрагида ўти бор.

ОРТИЛМОҚ Ортмоқ II фл. мажҳ. н. *Десант ортилган паром қўзғалганда, Днепр чайқалди.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал. *Бу аризаларда Ўрмонжонга ортилмаган жиноят қолмаган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОРТИҚ I *рвш.* **1** Белгили миқдордан, меъёрдан зиёд; ошиқ, кўп. *Йиғилишга юздан ортиқ киши келди.* ▬ *Адолат касалхонада бир ойдан ортиқ ётди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Элликдан ортиқ дурадгор фақат белкурагу кетмонга соп ясаш билан овора.* С. Аҳмад, Уфқ. *[Элликбоши] Дарров ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиққа олибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ортиғи билан 1) ошиғи билан, ошириб; белгиланган миқдордан ҳам кўпайтириб. *Режа ортиғи билан бажарилди;* 2) кўп деганда, жуда борса, нари борса. *Бу мақола, ортиғи билан, ўн бет бўлади.*

2 Меъёридан ёки керагидан ошиқ, ҳаддан ташқари. *Ортиқ даражада қайғурмоқ. Ҳаддан ортиқ кулмоқ.* ▬ *Ҳар ҳолда, Тошкент аҳолиси Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак сўрашни ҳам билмайди!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 (*ч.к. билан, фақат қиёслашда*) Зиёд, яхши, афзал, аъло. *Унинг сендан ортиқ жойи йўқ. Сени жонимдан ортиқ севаман. Ақлдан ортиқ бойлик йўқ.* Мақол. ▬ *Ўзингиз ҳам, келин ойим текканида, Ғаффордан ортиқ эмасдингиз-ку!* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Тегса арзийдирган йигит. Бундан ортиғини топармидим, дедим, кўнгил қўйдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *-Зулм, хўрланиш, ҳақорат шунчалик бўлар, Қоратой ака! Бундан ортиғини каллам сиғдирмайди, — ғазабдан титраб гапирди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўлса ўлиги ортиқ Икки нарсани ўзаро қиёслашда қўлланадиган ибора: ҳатто ўлиги афзал, зиёд. *Бир ҳисобда ҳар қадамда минг битта ваъда бериб, сал нарсага йиғлаб юрадиган йигитлардан Шукруллонинг ўлса ўлиги ортиқ.* «Ёшлик».

4 Кучли, зўр. *[Холисхон:] Ҳақиқат: ишқ ўти ортиқ экан дўзах ўтиданким, Куйиб бағрим, кулим кўкларга соврилганга йиғлайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

5 Бўлиб ўтгандан, кўрилгандан, кечирилгандан ташқари, ундан ошиқ. *Ортиқ чора*

йўқ эди. У, истар-истамас, Гулнордан воз кечди. Ойбек, Танланган асарлар. *Бу тўғрида [Юсуфбек ҳожи ҳақида] ортиқ баҳс қилинмади ва сўз бошқа хусусларга ўтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Бадрий:] Мен бундай ҳақоратга ортиқ чидолмайман!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

6 Ортиқча, беҳуда, ўринсиз. *Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ.* Мақол. ▬ *Худо ўша қора кунни ҳам ортиқ кўриб, қаҳрига олди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОРТИҚ II **1** Баданда ёки бирор аъзода бўртиб, ўсиб чиққан жой (кўпинча туғма бўлади). *Ўнг қоши устидаги кичкина ортиқ ҳам қуруқ қолмади, қоп-қора хол бўлиб, тиниқ юзда «мана мен» деб ўз рассомини қувонтирди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит. *У [раис] ҳар гал бизникига келганда, ортиғи бор дағал қўллари билан елкамга қоқиб, хафа бўлма, Наби.. дер эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 Ортиқ (эркаклар исми).

ОРТИҚЛИК Меъёридан зиёдлик, кўплик; афзаллик. *Иссиғим ортиқлигидан сув устига сув ичардим.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОРТИҚЧА 1 Белгили миқдордан ортиқ; кўп. *Ортиқча пул. Ортиқча харажат.*

2 Керагидан, йўл қўйилиши мумкин бўлганидан ортиқ, ҳаддан зиёд. *-Мени ортиқча иззату икром қилиб, ноқулай аҳволга соляпсизлар, — деди Умид.* Мирмуҳсин, Умид. *Содда одам ортиқча хурсандчиликдан ҳам ўзини йўқотиб қўйса ажаб эмас.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эрининг бу сўзига Ўзбек ойим ортиқча қизишади, лаби-лабига тегмай бобиллаб беради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизники [томорқа] нормадан уч ҳисса ортиқча.* Ойбек, О.в. шабадалар.

3 Кераксиз, фойдасиз. *Ортиқча гап.* ▬ *Назокатга болалари йўғида эрмак бўлган Назми кейинчалик ортиқча бўлиб қолди.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Қирқилган қулоғи теп-текис бўлиб кетган, бу унинг [Қулмат қорининг] силлиқ калласига шундай ярашганки, соғ қулоғи худди ортиқчадай кўринарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ҳасанали эндиги ўтиришни ортиқча топиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОРТИҚЧАЛИК Керагидан, мумкин бўлганидан кўплик, ҳаддан зиёдлик; бефойдалик. *Улар.. радио эшитиб қувнашса, жаҳонда нима кечаётганидан хабар топиб туришса, ортиқчалик қиладими?* С. Анорбоев, Оқсой.

ОРТМАЧОҚЛАМОҚ *шв.* Ортмоқламоқ, кўтариб олмоқ. *Кунларнинг бирида Мўтилал ўзидан катта велосипедни ортмачоқлаб, зинапоялардан юқорига чиқаётганда, ҳаддан зиёд толиб, кўзи тиниб, йиқилиб тушди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Ниёзмурод каттакон хумчани ортмачоқлаб, Бибигул кетидан Тошқудуқ томон жўнади.* Мирмуҳсин, Чўри.

ОРТМОҚ I **1** Кўпаймоқ, ошмоқ. *Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан — душман.* Мақол.

2 *кўчма* Кучаймоқ, ошмоқ, ўсмоқ; мустаҳкамланмоқ. *Инсониятнинг энергияга эҳтиёжи кун сайин ортиб бормоқда.* «Фан ва турмуш». *Отабек тўғрисидаги ташвиш боягидан ўн қайта ортган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Иссиқ тобора ортар, «ғир» этган шамол йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Устига қўшилмоқ, юкланмоқ. *Саримсоққа яна бир янги вазифа ортди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Устун келмоқ, ошиб тушмоқ. *Ўйинчининг санъати дафчиникидан, дафчиники ўйинчиникидан ортар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 Ошиб қолмоқ, ортиқча бўлиб қолмоқ. *Бу ош ўн кишига етиб ортади. Харажатлардан беш сўм пул ортди.*

6 Етиб ва ошиб қолиб тўпланмоқ. *Қалай, нонвойликдан бир нима ортдими?* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Маълум бир чегара, миқдор ёки меъёрдан ошмоқ, ўтмоқ. *Уста Баҳромнинг юракбуруғ бўлганига ўн беш кунчадан ортибди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОРТМОҚ II **1** Юкни транспорт воситасининг устига ёки ичига жойламоқ, юкламоқ. *Машинага кўмир ортмоқ.* ▬ *Ўқ-дориларни отларга ортиб, қолганларини ўзимиз елкалаб олдик.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Пахта ортган сон-саноқсиз карвонлар қатор.* Ғайратий. *Фақат ўз соҳасини билувчи одам худди бир томонига юк ортилган қайиққа ўхшайди.* Шукрулло, Сайланма.

2 *кўчма* Зиммасига юкламоқ, бўйнига қўймоқ, тақмоқ. *-Билсанг, — деди ҳожи, — менинг устимга мундоғ туҳмат ортишдан уял, бола!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

[Бировга] оғирлигини ортмоқ *қ.* **оғирлик 3.**

ОРТМОҚЛАМОҚ Орқасига олиб кўтармоқ; елкасига ортиб олмоқ. *Хотинлар ҳам, эркаклар ҳам болаларини ортмоқлаган, йўлга тушишга тайёр.* С. Нуров, Дурдона. *-Сени қай фурсатда ортмоқлаб олганимни билмайсан-да, чувринди чопончада эдинг, оёқларингда эски калиш эди, — деди Яхшибоев.* М. М. Дўст, Лолазор. *Текширув пайтида чет элдан ортмоқлаб келинган.. кийим-кечакларгина эмас, сохта тадбиркорнинг ўзи ҳам ҳужжатсиз эканлиги маълум бўлди.* Газетадан.

ОРТО-, ОРФО- [*юн.* orthos — тўғри, тўппа-тўғри] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: бирор нарса-ҳодисанинг тўғрилигини, тиклигини, тўғридан-тўғри рўй беришини билдиради (Юнонча олд қўшимчанинг икки хил ўқилишидан икки хил вариантда ёзилади), мас.: *ортопедия, орфография.*

ОРТОДОНТИЯ [орто.. + *юн.* odus, odontos — тиш] Стоматологиянинг тишларнинг нотўғри жойлашиши ҳамда жағ-юз суякларининг деформациясини ўрганувчи, уларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

ОРТ-ОЛД Орқа-олд.

Орт-олдини ўйламоқ *кўчма* Ҳар томонлама ўйламоқ; маълум нарсанинг натижасини олдиндан мўлжалламоқ. *Чўпон орти-олдини ўйлаб келган экан, пулни ҳамёнга солиб, хуржундан сур тери чиқарди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОРТОПЕДИЯ [орто.. + *юн.* paideia — парвариш қилиш; ўқитиш-ўргатиш] Тиббиётнинг қўл, оёқ ва умуртқа поғонасининг туғма ёки кейин орттирилган касалликларини ўрганувчи, уларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи бўлими (травмотология билан биргаликда ягона мутахассислик ҳисобланади). *Турғунали ўтган сафар ортопедия институтига «оёғини янгилагани» борганда, пенсияга олган икки юз эллик сўмини Саттор номидан Мудофаа комитетига юборган экан.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОРТТИРМА: сифатларнинг орттирма даражаси *тлш.* Белгининг бошқа предметлардагига нисбатан ортиқ эканлигини билдирувчи сифат шакли, мас., *энг яхши китоб.* **Феълларнинг орттирма нисбати** *тлш.* Ишнинг бирор восита ёки бошқа шахс орқали бажарилишини билдирадиган феъл шакллари, мас., *ёздирмоқ, ўқитмоқ.*

ОРТТИРМОҚ I **1 Ортмоқ** I **1-6** фл. орт. н. *Ихлосни орттирмоқ. Қувончини орттирмоқ. Шубҳани орттирмоқ.* ▬ *[Раис:] Гўё кўринишда иш қиласиз, ҳақиқатда бошқаларга иш орттирасиз.* Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва. *У [Саодатхон] устаси Александр Михайловичнинг кўрсатмаларини кўнгилдагидан кўра ҳам орттириб бажарар.. эди.* Н. Сафаров, Уйғониш.

2 Тежаб-тергаб, иқтисод қилиб кўпайтирмоқ, оз-оздан йиғиб тўпламоқ. *Бир қанча танга орттириб қола билса, рўзғорга харжлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Али] Ўзининг бахтсизлигидан, топганини рўзгордан орттиролмай, шу кунгача уйланолмай келишидан ҳасрат қилиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Дунё орттирмоқ Бойлик тўпламоқ. *Мен кимларнингдир молу мулкини талаб, дунё орттириб, донг таратиб, қадр-қиймат топдимми?* Шукрулло, Сайланма.

3 Топмоқ, эришмоқ, етишмоқ; эга бўлмоқ; қозонмоқ. *Обрў орттирмоқ. Ҳунар орттирмоқ.* ▬ *Боисжон Эргашев армия сафида хизмат қила бошлаган йилнинг дастлабки ойидаёқ янги ихтисос орттириб олди.* Н. Сафаров, Янги ер. *Минг афсуслар бўлсинким, ким номимни эшитса, лаънатлади, лаънат орттирдим!* Шукрулло, Сайланма. *Бола-чақа орттириб, деярли Тошкентда турғун бўлиб қолаётганига қарамай, киндик қони тўкилган она тупроқ тортгани-тортган эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОРТТИРМОҚ II **Ортмоқ** II фл. орт. н. *Вагонларга юк орттирмоқ.*

ОРТҚИ Кейинги, орқадаги. *Ортқи айилнинг ботганини эгаси эмас, от билар.* Мақол.

ОРФО-, ОРТО- [*юн.* orthos — тўғри] *қ.* **орто-, орфо-.**

ОРФОГРАФИК Орфографияга, имлога оид, тўғри ёзиш қоидалари билан боғлиқ бўлган, шунга хизмат қиладиган. *Орфографик луғат. Орфографик хатолар.*

ОРФОГРАФИЯ [орфо.. + *юн.* grapho — ёзаман] Сўзларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар; имло. *Ўзбек орфографияси. Орфография қоидалари.*

ОРФОЭПИК Орфоэпияга, талаффузга доир, тўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ

бўлган, шунга хизмат қиладиган. *Орфоэпик луғат.*

ОРФОЭПИЯ [орфо.. + *юн.* epos – нутқ, талаффуз] Сўзларни тўғри талаффуз қилиш ҳақидаги қоидалар; тўғри талаффуз.

2 Тилшуносликнинг шундай қоидалар тизимини ишлаб чиқадиган бўлими.

ОРҚА 1 Гавданинг қоринга нисбатан терс томони, бўйиндан думғазагача бўлган қисми. *Қўлни орқасига қилиб юрмоқ.* ▬ *Мингбоши ерда ғужанак бўлиб ётган Матқовулнинг орқасига қамчини шилп эткизиб туширди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Саидий эшикка орқасини бериб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Нарсаларнинг терс ёқдаги қисми, юз, бет, олд томонига тескари томони, тескариси. *Суратнинг орқаси. Тешанинг орқаси.* ▬ *Самандаров чироқнинг пилигини кўтарди, қаламнинг орқаси билан столни қоқиб, ғовурни босди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Чиннигул дарвоза тагига етганда, орқасига қайрилиб қаради-ю, ичкарига кириб кетди.* С. Зуннунова, Кўк чироқ. *Она шу сўзларни айтиб, ўтирган еридан кафтларининг орқасини ерга тираб, турди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Нарса ёки кимсанинг юз, бет, олд томонига қарши томон; орт. *Орқага қарамоқ. Уйнинг орқа девори.* ▬ *Шу онда орқасидан гуруллаб автомобиль келиб қолди.* А. Қаҳҳор, Каравот. *Йўлдош орқадан аста келиб, Элмуроднинг кўзини икки қўли билан бекитди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 Ортда, кейинда жойлашган. *Велосипеднинг орқа ғилдираги. Тил орқа товушлари* (*грам.*).

5 Ортда қолган, ўтилган йўл; шахс ёки предмет чиқиб келган томон; ҳаракат йўналган томоннинг акси. *[Отабек] Эшик занжирига қўлини олиб боргани ҳолда ўйланиб тўхтади ва эшикни очмай, орқасига қайтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олға босиш, ҳар ҳолда, орқага қайтишдан хатарли эмас.* А. Қаҳҳор, Мастон.

Орқада қолмоқ Қолоқлик қилмоқ; бирор вазифани ўз вақтида бажармаслик. *Шалола қурилиши ҳозир энг орқада қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

6 *кўчма* Ҳомий, суянчиқ, тирак. *Тоғдан орқаси бўлганнинг тошдан юраги бўлар.* Мақол.

Орқа қилмоқ Бирор шахс ёрдамига, ҳимоясига, кучига ишонмоқ, унга таяниб иш тутмоқ. *Сени орқа қилиб, бунда юраман, Ортсиртингдан кўп ҳимоят қиламан.* «Алпомиш».

7 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к. ва ч.к. қўшимчалари билан кўмакчи вазифасида ишлатилади (*қ.* **орқасига, орқасида, орқасидан**).

Орқага кетмоқ Таназзулга юз тутмоқ, олға босишдан тўхтамоқ. *[Отабек:] Бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низойимиз сабаб бўлмоқда.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Орқага сурмоқ (***ёки* **ташламоқ, силтамоқ)** Бирор ишни пайсалга солмоқ, кечиктирмоқ. *Бунинг ҳар иккиси ҳам колхозлаштириш ишини орқага суриши, хийлагина орқага суриши мумкин эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Орқасидан гапирмоқ** Ўзи йўғида у ҳақда гапирмоқ; ғийбат қилмоқ. *Дўст олдингда гапирар, Душман – орқангдан.* Мақол. **[Бировнинг] орқасидан кесак (***ёки* **тош) отмоқ** 1) иккинчи қайтиб келмаслигини тилаб лаънатламоқ; 2) кимсанинг орқасидан уни ёмонлаб ғийбат қилмоқ. **Орқасидан кулмоқ** Ўзи йўғида масхара қилмоқ, мазах қилмоқ. [*Гулнор:*] *Ойи, сиз сезасизми, бойникида орқамдан кулишади, гапиришади, пичинг, кесатиқ-месатиқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Орқасидан қувмоқ** Етишиш, эришиш пайига тушмоқ. **Оғирликни орқага ташламоқ** Қийинчиликларга парво қилмай, ўзини дадил тутмоқ, уларни дадиллик билан енгмоқ. *[Гуландом:] Укаларимни, дадамни севганимдан ҳар қандай оғирликни орқага ташладим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Фронт орқаси** *ҳарб.* Мамлакатнинг жанг ҳаракатларидан йироқ ичкари қисми. **Юраги орқасига тортиб кетди** *қ.* **юрак.** *Шундай дейишга деди-ю, отанинг қаҳрли нигоҳини кўриб, юраги орқасига тортди.* «Ёшлик».

ОРҚАВОРАТДАН *рвш.* **1** Бировнинг орқасидан, ўзи йўғида; зимдан. *Унинг шопдай мўйловига қараб, орқаворатдан Муҳиддин мўйлов деб атаймиз.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Улар [мардикорлар] Ёрматнинг кўз олдида унга қарши бир нима демасалар ҳам, орқаворатдан уни масхаралашар, ҳатто сўкишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бевосита эмас, балки биров орқали, бировлардан. *Бошқа безориларни орқаво-*

ратдан эшитиб юрардим-у, ана шу Шоқулни ўз кўзим билан кўрганман. М. М Дўст, Лолазор. *-Сизни орқаворатдан сўраб-суриштириб, ўзим ҳам кузатиб келаман, — деди Фарида.* «Ёшлик».

ОРҚАДОШ 1 Кўмакдош, кўмак, ёрдам берувчи; ўртоқ. *Бўлурмиз биз бақувват орқадошлар, Қирар албатта ёвни жангчи ёшлар.* Ҳабибий.

2 Ўсиб келаётган ёш авлод, кекса авлоднинг ўринбосари. *Кекса отахон-онахонларимиз дунёдан ўтадилар. Ўрнига орқадошлар ўтирадилар.* Газетадан.

ОРҚАЛАМОҚ Орқасига олиб кўтармоқ. *Ғуломжон орқалаб чиққан тошини энди ағдариб, қаддини ростлаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Азизхон тугунларни орқалаб, олдинга тушиб йўл бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОРҚАЛАНМОҚ 1 Орқаламоқ фл. мажҳ. н. *Орқаланган юкни ерга қўймоқ.*

2 *шв.* Бировга орқа қилмоқ, суянмоқ, таянмоқ. *Орқали орқаланиб сўзлар, орқасиз қўрқиб сўзлар.* Мақол.

ОРҚАЛИ I *кўм. (б.к. билан)* **1** Бирор нарсанинг ичидан, орасидан, ўртасидан ёки устидан, бирор нарса оралаб, бир томондан иккинчи томонга. *Боққа ҳовли орқали кириладि.* ▬ *[Элмурод] Эртасига Красноводск орқали Тбилисига — ҳарбий хизматга жўнади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Халойиқ гуруллаб.. уч эшик орқали залга кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Бирор кимса ёки нарса воситасида, ёрдамида, ёрдами билан. *Телефон орқали гаплашмоқ. Хат орқали хабардор қилмоқ.* ▬ *Ҳиндлар ҳам бошқа мамлакатлар билан асосан инглиз тили орқали алоқа қилишади.* Газетадан. *Элмурод шу куни бир бола орқали Давлатёрни ўз ҳузурига чақирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Туфайли, сабабли. *[Юсуфбек ҳожи] Сен билан ифтихор қилмасак-да, сен орқали хижолат чекмасимизга ишондик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен ҳали ёш боламан, Кўп жойни кўрганим йўқ. Лекин китоб орқали Билдим талай йўл-йўриқ.* Қ. Муҳаммадий. *Битта сиёҳдон орқали шунча гапларни топиб айтиш менинг хаёлимга келмаган эди.* Шукрулло, Сайланма.

ОРҚАЛИ II Орқаси, суянчиғи, ҳомийси бор. *Орқали орқаланиб сўзлар, орқасиз қўрқиб сўзлар.* Мақол.

ОРҚАМА-КЕТИН *рвш.* Бири орқасидан иккинчиси, бирин-кетин, кетма-кет. *Орқама-кетин бормоқ.*

ОРҚАМА-ОРҚА *рвш.* **1** Бири орқасидан иккинчиси; кетма-кет, изма-из. *Маъмуржон улар [Райҳонбиби ва Ойпошшалар] билан орқама-орқа ЗАГСга кириб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қаторасига, узлуксиз. *Орқама-орқа ўқ узмоқ.*

ОРҚА-ОЛД *айн.* **олд-орқа.** *Онахон орқа-олдига қараб олди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Орқа-олдини ўнглаб олмоқ *айн.* **орқа-ўнгини олмоқ** *қ.* **орқа-ўнг.** *Бу кунларда халққа ўттиз икки қора пул солиш ҳам оғир. Юрт беш-ўн кун орқа-олдини ўнглаб олсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Гапнинг орқа-олдига қарамай** Ўйламай-нетмай гапириш ҳақида. *Азизхон гапнинг орқа-олдига қарамай айтиб юбораверарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОРҚАСИГА Орқа томонига, кетига, ортига. *Ой булут орқасига яширинди.*

ОРҚАСИДА *кўм. взф.* **1** Оқибат(и)да, натижа(си)да. *Гулнор бошидан кечган даҳшатли воқеалар орқасида оёқларида заррача мадор сезмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кечанинг ўта қоронғуси орқасида лойхонада киши бўлганлигини пайқаш қийин эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Туфайли, сабабли; шарофати билан. *Тирикчилигимиз шу боғ орқасида бир нав ўтиб турарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Хонзода:] Ғофиржоннинг ошиғи олчи! Хотини орқасида бой бўляпти?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ОРҚАСИДАН *кўм. взф.* **1** Нариги, орқа томондан. *Булутлар орқасидан ой кўринди.*

2 Кетидан, кейинидан. *Бировнинг орқасидан эргашмоқ. Шўрва орқасидан ош келади. Кун орқасидан кун ўтади. Қайғу орқасидан шодлик келади.* ▬ *[Ўрмонжон Сиддиқжонга:] Меҳмонларни бизникига олиб бор, мен орқаларингдан етиб бораман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Кетидан, изидан. *Мен йигитнинг орқасидан кузатиб бордим.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

4 Туфайли, сабабли. *Ўтган йиллар мобайнида ғишт орқасидан қанча даромад қилгансиз?* С. Аҳмад, Юлдуз.

ОРҚА-ЎНГ *айн.* **олд-орқа.** *Орқа-ўнгига қарамоқ.* ▬ *Унинг [Кумушнинг] нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб, ажиб бир манзара бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кителини елкасига ташлаб, зум ўтмай чиқди-да, орқа-ўнгига қарамай, кўчага отилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Орқа-ўнгини олмоқ Ўзини, хўжалигини ўнглаб, тиклаб олмоқ; нафасини ростламоқ.

ОСЕТИН *қ.* **осетинлар.** *Осетин тили. Осетин аёл.*

ОСЕТИНЛАР Россия Федерацияси ва Грузияда яшовчи халқ; осетин халқи.

ОСЁТР [*р.*] Йирик ов балиғи; бакрабалиқ.

ОСИЙ [*а.* عاصى – исён қилувчи, итоатсиз, гуноҳкор] **1** *айн.* **гуноҳкор 1.** *Осий банда.* ▬ *Кимда-ким худонинг осий бандаси.. бетавфиқ Аваз Ўтар ўғлининг дўконига оёқ босса, соч-соқол олдирса, имони куйга-ай!* С. Сиёев, Аваз.

2 *эск. кт.* Гуноҳкор, айбли. *[Отабек Кумуш қаршисида] Осийлар каби кўзини ерга тикди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *эск. кт. айн.* **исёнкор.** *Оналар йиғлади ҳасратли, маҳзун, Осийлар ё дорга кетди, ё сургун.* М. Шайхзода.

ОСИЙЛИК Осийга хос хусусиятларга эгалик; итоатсизлик, гуноҳкорлик. *-Тангри ҳикмати, ўғлим, осийлик қилма! – Топган сўзи шугина эди мазлумнинг.* Миртемир, Асарлар.

ОСИЛМОҚ 1 Осмоқ 1 фл. ўзл.н.

2 Осмоқ 2, 3, 4 фл. маж. н. *Дарахтларга осилган катта лампалар кўзни қамаштиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Камарда кумуш сопли қилич осилиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Ўз оғирлиги билан эгилиб ёки солиниб турмоқ. *Анор дарахтларида анор шиғил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди.* А. Қаҳҳор, Анор.

4 Бирор кимса ёки нарсага маҳкам ёпишиб, чирмашиб, ўз оғирлигини ортмоқ. *Уйғониб кетган Мақсуда ҳам дадасининг бўйнига осилиб, севинганидан дағ-дағ титрарди.* С. Зуннунова, Олов. *Қори қийқириб, унинг [Сиддиқжоннинг] елкасига осилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Раҳим бўлса Қудратлар келган машинага анча ергача осилиб борди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

5 Осмоқ 4 фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Бир четга иккита дошқозон осилган.* «Шарқ юлдузи». *Она тепасига қумғон осилган омонат ўчоққа ўт қалады.* Т. Ашуров, Оқ от.

6 *кўчма с.т.* Хиралик билан бирор нарса сўраб ёпишиб олмоқ. *-Жон ўртоқ, ҳозир олиб бор касалхонага! – деб [Валивой] унга [Жўрага] осилди.* Ҳ. Назир, Онаизор.

7 Шилқимлик билан бировга ёпишмоқ. *Сен тикка Раҳмонбердининг уйига бориб, хотинига осилибсан.* А. Қаҳҳор, Сароб.

8 *кўчма салб.* Бировни ҳадеб айблайвермоқ, бировга айб тақамоқ. *[Содиқ:] Ҳой, менга осилма! Хафа қиламан!.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Ўша пайтларда матбуотда чиқиш қилган амалдор борки, ўзбек халқига осилди.* «Фан ва турмуш».

Қовоғи (*ёки* **қош-қовоғи, димоғи) осилмоқ** Хафа ёки норози бўлиб ўшшаймоқ. *Чолнинг қовоқ-димоғи осилиб кетди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ОСИЛТИРМОҚ 1 Осилмоқ фл. орт. н.

2 Пастга солинтирмоқ, қуйи солмоқ, эгмоқ. *Оёқларини осилтириб ўтирмоқ. Қўлларини осилтирмоқ. Бошини осилтирмоқ.* ▬ *Шайх калласини осилтириб, бир нимани пичирлаб ўтирди-да, юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.* С. Сиёев, Аваз.

ОСИҚ Осиб қўйилган, осилган. *Янги типда қурилаётган молхона ёнидан чапга бурилганда, лунжи осиқ каттакон сариқ итга қараб, баъзи бир шумроқлар қўлларини чиқариб, ол, ҳа ол, дея кулиб қийқиришарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ОСИҒЛИҚ 1 Осиб қўйилган, осилган ҳолдаги; осилган ҳолда. *Эшикдан кираверишда ўнг қўлда эркак кишининг костюми осиғлиқ турибди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бобоқул ота ўзининг темир ҳассаси билан йўғон тут дарахтига осиғлиқ чўян зангни чалмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *-Бўронбек Арслонбеков, – деди у елкасига осиғлиқ чарм сумкасини очаркан.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Бириктирилган, тиркалган. *Сўнгги вагон орқасига осиғлиқ қизил фонаргина яна бир неча дақиқа кўриниб турди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Прицеп осиғлиқ машиналар тўхтовсиз қатнарди.* Газетадан.

ОСКОЛКА [*р.* осколок – парча; бирор нарсадан узилиб, парчаланиб ажралган қисм] Замбарак ўқи, мина, бомба ва ш.к. нинг портлашидан пайдо бўлган металл

парча. *-Душман бомбаси шундай блиндаж устига тушди. Уч-тўрт жойимга осколка тегди, — деди раис.* Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим. *Куз келди дегунча оёғимнинг осколка урган жойи зирқираб, жонимни суғуриб оламан дейди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОСМА Осиб қўйиладиган, осиб қўйиш учун мослаштириб ясалган; осиб қўйилган. *Осма чироқ. Осма календарь. Осма кўприк. Осма культиватор. Осма соат.* ▬ *Ғуломжон баландда кесиб ўтган темир йўл осма кўпригига етмай, бир табақали кичик эшикни очиб, ичкари кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У ўрнидан турганида, девордаги осма соатнинг мили иккини кўрсатиб турарди.* С. Зуннунова, Олов.

ОСМАДЎЗИ *махс.* Аёлларнинг тиллақошга ўхшаш, бошга тақиладиган зийнат буюми. *Ҳалигина гулхан атрофида одам тирбанд, қизлар кўксида осмадўзи, йигитлар қўлида қўш қайроқ, даврада гоҳ чирпирак бўлиб, гоҳ эшилиб айланишар, тўйхонани қийқириқ тутган эди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОСМИЙ [*юн.* osme — ҳид, ис, бўй] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кўкимтир — кул ранг қаттиқ, ўта оғир металл.

ОСМОН [*ф.* آسمان — кўк, само, фалак] **1** Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турган мовий фазо; само, фалак, кўк. *Осмон гумбази. Осмонни булут қоплади. Осмон узоқ, ер қаттиқ.* Мақол. *Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр.* Мақол. ▬ *Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлаб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *[Бой Жамилага:] Менинг олтинларим шундай.. улуғ бир ҳокимки, ерга кирсанг — қулоғингдан, осмонга чиқсанг — оёғингдан тортиб, менинг қўйнимга олмадай қилиб солиб қўяди!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Ер атрофини ўраб олган олам фазоси (астрономик жисмлар макони). *Юлдузлар осмони. Осмон механикаси.*

3 Баланд, тепа, юқори. *Осмонга отган тошинг Қайтиб тушиб, ёрар бошинг.* Мақол.

4 *кўчма* Юқори, баланд, қиммат. *Нима учун шундай пишиқчилик пайтида меваларнинг нархи осмонда?* Газетадан.

5 *кўчма с.т.* Жуда баланд, етиб бўлмайдиган даражада юқори. *Варрак осмонга чиқиб кетди. -[Ёқут] Ҳали ҳам осмонда, — деди Ҳамро Кароматга.* Ҳ. Раҳим, Чин ҳаёт.

Боши осмонда Хурсанд, шод. *Шу боисдан қўлим кўксимда, бошим осмонда!* Газетадан. **Дуди осмонга чиқмоқ** *айн.* **фиғони осмонга чиқмоқ** *қ.* **фиғон**. *Мана шу ерда мингбошининг дуди осмонга чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ер билан осмонча фарқи бор** Жуда катта фарқи бор. **Оёғини осмондан келтирмоқ** *қ.* **оёқ. Осмонга устун бўлармидинг** *айн.* **дунёга устун бўлармидинг** *қ.* **дунё.** *Нима бўлади, осмонга устун бўладими? — деди Ашур Мирзо очиқ бир киноя билан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Осмонда юрмоқ** Ўзини катта фаҳмлаб,еккайиб юрмоқ, ҳеч кимни менсимаслик. **Осмондан келмоқ** Жуда баланддан келмоқ, ўзини баланд олиб, мағрурланиб гапирмоқ. *Холиқов гоҳо баралла қаҳқаҳлайди, баъзан «Мен ундай қилдим, мен бундай қилдим, қотирдим, дўндирдим», деб осмондан келади.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. **Осмондан олиб гапирмоқ** Тахминан гапирмоқ; омилсиз, асоссиз гапирмоқ. **Осмондан осилиб (***ёки* **оёғини узатиб) тушган** *кесат.* Ҳаммадан юқори, улуғ. *Ҳа, мунча! Хотинингиз осмондан тушибдими? Биз ҳам одам боласи, турибмиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОСМОНИЙ [*ф.* آسمانى — осмонга, самога алоқадор; осмон рангли, мовий] *кт.* **1** Осмонга доир, осмондаги, осмонда бўладиган. *Осмоний жисмлар.*

2 Мовий, кўк. *Осмоний ранг.* ▬ *Ёргинам рўмол юборди осмони(й), Учига тугиб юборди ўсмани. Ўсмаси хароб экан, ҳеч тутмади, Ваъдаси ёлғон экан, бир келмади.* «Халқ дурдоналари».

3 Мавҳум, шунчаки. *Халқ, жамоат деган тушунчалар осмоний тушунчалар эмас, реал, ҳаракатдаги тирик одамлар бирлигини англатувчи атамалардир.* «Саодат».

ОСМОНЛАМОҚ Осмонга кўтарилмоқ, ердан баланд кўтарилмоқ. *Бургут осмонлаб учди.* ▬ *Қалдирғочлар баланд-баланд, осмонлаб учса, ҳаво қуруқ келади.* Газетадан.

ОСМОНЎПАР Жуда баланд, осмонга етгудек баланд кўтарилган. *Осмонўпар бинолар.* ▬ *Аён бўлдики, олти миллион тоннали осмонўпар «оқ олтин» тоғлари Ошнонинг олтмиш ёшига совға экан.* М. М. Дўст, Лолазор. *Мана, қадрдон Кавказ*! *Унинг осмонўпар тоғлари беҳисоб лолалар ичида кўмилиб кетган.* Н. Ғойибов, Айланма кинопанорама. *Бугунги сайёҳ, миллатимизга мос бетакрор маъмурий мажмуалар, осмонўпар кошо-*

налар, сайилгоҳлардан бир олам завқ олади. Газетадан.

ОСМОҚ 1 Бўйнидан сиртмоққа илиб ўлдирмоқ. *Дорга осмоқ.* ▬ *[Азизбек] Хазина ҳисобини олиш учун келган девонбекларни ўлдириб, ўрда дарвозасига осди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Зуннунхўжа:] Уйимга ўт қўяман! Ўзимни осаман! Ўғлим, жон ўғлим, мен сизни шу умид билан ўғлим деганмидим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Маҳкамлаб, михлаб ёки илиб осилтириб қўймоқ. *Деворга соат осмоқ. Дорга гилам осмоқ. Қозиққа сочиқ осмоқ. Арчага ўйинчоқ ва лампочкалар осдик. Қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар.* Мақол.

3 Бел, бўйин ёки елкага илиб кўтариб юрмоқ, тақмоқ. *Белга қилич осмоқ.* ▬ *Йигитлар милтиқларини пайпаслаб топиб, елкага осдилар ва кўчага отилдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Тақмоқ, илмоқ. *Қулоққа сирға осмоқ.* ▬ *Нури олтин занжирни бўйнига осди, соат, кўкрагидан пастроқда юлдуздай ярқиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўйнига осиб лола, Келди шу гўзал кўклам.* Ғайратий.

5 *махс.* Ўрнатмоқ, жойлаштирмоқ; илмоқ. *Тракторга культиватор осмоқ. Қозон осмоқ.*

Қулоқ осмоқ *айн.* **қулоқ солмоқ** *қ.* **қулоқ** I **1.** *Норқул маҳаллада истиқомат қилувчи баобрў кишиларнинг фикрларига ҳам қулоқ осмади.* Газетадан. **Қовоқ осмоқ** *айн.* **қовоқ солмоқ** *қ.* **қовоқ** II. *Ошно Яхшибоевнинг гапини эшитди-ю, қовоқ-тумшуғини осди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОСОЙИШ [*ф.* آسایش – тинчлик, хотиржамлик; ором, ҳордиқ, бўш вақт] **1** *кт.* Тинч, уруш-жанжалдан, ғавғо-ташвишдан холилик; тинчлик, хотиржамлик, тиним. *Бировнинг осойишини бузмоқ.* ▬ *Осойиш замондан қалбингда ғурур, Ватанинг, диёринг муборак бўлсин!* А. Орипов, Йиллар армони. *Дунё ҳамон осойиш, чароғону чиройли – қараб ҳеч тўймайсан.* М. М. Дўст, Лолазор. *Юсуфбек ҳожи элнинг осойиши ва мамлакатнинг ободлиги номига бу таклифни бўйнига олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кўнгли осойиш топмоқ Тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ. *Кейинроқ ўликни ҳамқишлоқлари олиб кетганини эшитиб, кўнгли сал осойиш топди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Аммо [Элмуроднинг] кўнгли осойиш топмади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ОСОЙИШТА [*ф.* آسایشته – тинч, хотиржам; беғам] **1** Уруш-жанжалдан, ғавғо-ташвишдан холи; тинч, бехавотир, хотиржам. *Осойишта шаҳар. Юрт осойишта. Осойишта яшамоқ.* ▬ *Шундай пайтда кишининг бу хилда осойишта ва ҳатто хотиржам бўлишини тасаввур қилиш қийин эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Гўзал манзара руҳимизни бардам, асабларимизни осойишта қилади.* «Саодат».

2 Ҳаяжондан, изтиробдан холи; беташвиш. *Бу қоматни [Фотимани] кўриши биланоқ Элмуроднинг осойишта қалбида нимадир қўзғалди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Хотиржам, бамайлихотир, босиқ. *Осойишта суҳбат.* ▬ *-Кимсан ўзинг? Мадамин? – деди Абдурасул анча осойишта товуш билан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сергей ўрнидан туриб, олдинги стулнинг суянчиғига қўлини қўйдида, осойишта гапира бошлади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Сокин, ҳаракатсиз. *Денгиз осойишта дам олмоқда.* ▬ *Чанг аралаш тутун ҳалқа-ҳалқа бўлиб, кўкка, осойишта бўшлиққа интилар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ОСОЙИШТАЛИК Тинчлик, хотиржамлик, осойиш; беташвишлик. *[Оилада] Осойишталик бузилди ва бунга сабаб, кампирнинг гумонича, Сиддиқжоннинг онаси эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ғузорда осойишталик йўқолди. Унинг кичкина ва тор кўчаларида ярим кечагача отларнинг дупури тинмади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳамма осойишталик билан экин-тикинга қаради.* М. Муҳамедов, Машқ.

ОСОН [*ф.* آسان – енгил, жўн; қийин эмас; содда] **1** Ечилиши, бажарилиши жиҳатдан унча қийин, мураккаб бўлмаган, унча кўп меҳнат, куч ёки билим талаб қилмайдиган, содда. *Осон масала. Осон вазифа. Осон иш.* ▬ *Бу ёқнинг тоши у ёқники сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, ғўраша эди. Шунинг учун тошлар осон кўчиб, осон йиқилади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Қийин эмас; жўн, енгил. *Тилангандан тилинган осон.* Мақол. *Касалнинг келиши осон, кетиши қийин.* Мақол. ▬ *Гипертония хасталиги кишининг карлиги оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин бўлиб, касалликнинг бу тури анча осон ўтади.* «Саодат».

Мушкули осон бўлмоқ Қийинчиликдан қутулмоқ. *Унинг [Сидиқжоннинг] бутун мушкули осон бўлгандай, қувониб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Мушкулини осон қилмоқ** Қийинчиликларини бартараф қилмоқ, оғир аҳволдан қутқармоқ. *Бу кунларда унинг мушкулини осон қилган киши Нозимнинг онасининг йўқлигини билдирмай, бағрини тўлатган Нина Ивановна билан синглиси Нигора бўлди.* С. Зуннунова, Олов. **Осон кўчмоқ** *айн.* **енгил кўчмоқ** *қ.* **енгил.** *Қани энди, сенга ўхшаш қизлар врач, ҳамширалар бўлса.. касалларни даволаш ҳам осон кўчарди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. **Осон қилмоқ** Осонлаштирмоқ, енгиллаштирмоқ.

ОСОНЛАШМОҚ Осон бўлиб қолмоқ; соддалашмоқ, енгиллашмоқ. *[Саидий] Мағлубиятга учраса, Аббосхоннинг иши қанча осонлашар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўзингиз айтсангиз, суд пайтида ишингиз осонлашади.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ОСОНЛАШТИРМОҚ Осонлашмоқ фл. орт. н. *Машиналар деҳқончилик ишларини осонлаштирди.* ▬ *Яхши кайфият инсонлар қалбига йўл топишни осонлаштиради.* Газетадан.

ОСОНЛИК Осон хусусиятга эгалик; осон бўлишлик. *Ишнинг осонлиги.* ▬ *Гулсум осонлик билан ҳарфларни ўрганибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чамаси, Азизбек осонлик билан жон берадиган кўринмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОСОНЛИКЧА *рвш.* **1** Осонлик билан, кўп куч, меҳнат сарфламасдан; осонгина, жўнгина, бемашаққат. *Ютуқлар осонликча қўлга кирмади.* ▬ *Бу муаммо осонликча битадиган иш эмасди.* «Ёшлик». *Ғуломқодирнинг ашуласини жуда соғиниб қолдик. Бир-икки ашула қилиб бермаса, биздан осонликча қутулмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Қаршилик кўрсатмай-нетмай. *Холқўзи Зумрадни билади. У осонликча жон берадиган аёллардан эмас.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Бизнинг қишлоқда катта ер эгалари осонликча жон бергани йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОСОР [*а.* آثار – أثر (из, қолдиқ, белги; ривоят; қадимият ёдгорлиги; таъсир) с. нинг. кўпл.] *эск. кт.* Асар, белги, нишона. *Бу овоз ва бу оҳанг шунчалар қадимийки, не-не гўзал аёллару саодатманд эрларнинг безавол орзуларидан жонсиз бир осор.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. *Ким билурди одаму олам надур, ҳайвон нечук? Бўлмаса эрди агар инсонда бу осори илм.* Ҳамза.

Осори атиқа [*а.* + *ф.* آثارعتيقه – қадимий, антик ёдгорликлар] Қадим дунё нишоналари, қадимдан, антик дунёдан қолган ёдгорликлар, обидалар. *Ўрта Осиё осори атиқалари.* ▬ *Хива, Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарларимиз, асрий осори атиқалар, улуғлар қадамжоларини олиб кўрайлик, ахир, уларнинг ҳар бирини бино этиш учун не-не заҳмат чекилмаган.* Газетадан. *Уларни кўриб, Самарқанднинг маҳобатли осори атиқаларини кўриш нияти янада ортди.* Газетадан.

ОССУАРИЙ [*лот.* ossuarium – марҳум суяги сақланадиган идиш < os, ossis – суяк] *қ.* **остадон.**

ОСТ 1 Нарсанинг таг қисми, таги, туби. *Қурбон ота энгашиб, самоварнинг остига сим тиқаётган эди, қаддини ростлаб, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Нарсанинг қуйи қисмига, тагига яқин жой. *Гулнор дераза остига кўрпача солиб, қизни ўтқазди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Нарсанинг яқин атрофи, тевараги. *Йўлчи, қулоқлари остида ўқ узилиб турарkan, томирларида жўшқин куч, юрагида юксак ҳисларнинг, орзуларнинг бўронини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Она боққа етиб келганда, Турсунбой кўчатлар остини юмшатаётган эди.* Т. Ашуров, Оқ от.

4 Нарсалар эгаллаб, босиб ёки қоплаб турган жой, нарсанинг тагидаги жой, таг. *Дарахтларнинг ости салқин эди.*

5 Нарсанинг ички қисми, ичи, ораси, қаъри. *Ер ости суви. Ер ости бойликлари.* ▬ *Бегойим ер остида илон қимирласа, биладиган қув хотин.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Уни [тоғни] ер ости зилзилалари ҳам халқ овозидек титратмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

6 Таг, туб (сув ҳавзаларида). *Денгиз ости.* ▬ *Кўп одамлар бу дарёнинг остида ер тишлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 3-ш. эгалик ва ж.к., ў-п. к. ва ч.к. қўшимчалари билан кўмакчи вазифасида қўлланади **(***қ.* **остига, остида, остидан).**

ОСТАДОН [*юн.* osteon *ёки лот.* os, ossis – суяк + *ф.* دان – «идиш», «жой» маъноларини билдирувчи сўз ясовчи қўшимча] Зар-

душтийликда 5–8-асрларда марҳумнинг суяклари солиб сақланадиган, тош, сопол ёки ганчдан ясаладиган идиш, суякдон; оссуарий. *Баъзи қавмлар ўликни куйдирганларидан сўнг, жамоада аждодлар руҳини авайлаб, ана шу суякларнинг баъзи қисмини, кулни сақлаш мақсадида.. қанор ёки япасқи хумга ўхшатиб қопқоқли, баъзиси тутқичли остадон — суякдонлар ясашган.* Газетадан.

ОСТАНОВКА [*р.* остановка < остановиться «тўхтамоқ» фл. дан: тўхташ, тўхтайдиган жой] Транспорт воситаларининг пассажир ёки юк тушириш ва олиш учун тўхтайдиган жойи, бекат. *Автобус остановкаси.* ▬ *Тошкентнинг Эскижўва бекатида бир сўм пулини тушириб қолдирган гражданин Самарқанд шаҳар «Боғишамол» остановкасидаги сартарошхонага келиб, уста Муҳиддинга учрашсин.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ОСТЕО- [*юн.* osteon — суяк] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг суякка, суяк тўқимасига алоқадорлигини билдиради.

ОСТЕОЛОГИЯ [остео.. + *юн.* logos — фан, таълимот] Нормал анатомия ва антропологиянинг умуман одам скелети, қисман ундаги айрим суякларнинг тузилиши, ўлчам ва шаклларидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг ривожланишини ўрганувчи бўлими.

ОСТЕОМА [остео.. + *юн.* oma — хом; нам: ўсма, шиш борлигини билдирувчи аффиксоид] *тиб.* Суяк тўқимасидан иборат зарарсиз ўсма, шиш.

ОСТЕОМАЛЯЦИЯ [остео.. + *юн.* malakia — юмшоқлик, бўшанглик] *тиб.* Модда алмашинувининг бузилишида организмда витаминларнинг етишмаслиги оқибатида суякларнинг юмшаб қолиши ва қийшайиб ўзгариши (деформацияси).

ОСТЕОМИЕЛИТ [остео.. + *юн.* myelos — мағиз, илик, кўмик + *лот.* itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Кўмикнинг яллиғланиши. *Остеомиелит кўпинча, одам скелети ғовак суякларининг бўғимга яқин жойида учрайди.* «ЎзМЭ».

ОСТЕОХОНДРОЗ *тиб.* [остео.. + *юн.* chondros — тоғай] *тиб.* Умуртқалараро тоғайпай тўқималарининг турли хил ўзгаришлари натижасида келиб чиқадиган касаллик. *Остеохондроз кўпроқ бўйин ва бел дискларида учрайди.* «ЎзМЭ».

ОСТИГА *кўм. взф.* Тагига, тагидаги жойга. *Оёқ остига пойандоз солмоқ.*

Кўз остига олиб қўймоқ Бирор мақсадни мўлжалламоқ; ният қилмоқ. *Айта қол, ё бошқа ўз кўз остига олиб қўйганинг борми?* М. Мансуров, Ёмби.

ОСТИДА *кўм. взф.* **1** Бирор ҳаракат ёки ҳодиса ва ш.к. нинг бошқаси билан бирга ёки унга боғлиқ ҳолда содир бўлишини ифодалаш учун ишлатилади. *Хижолат остида қолмоқ. Раҳбарлиги остида ишламоқ.* ▬ *Куёв қаттиқ қарсаклар остида бориб, келиннинг ёнига ўтирди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

2 Бирор ҳаракат ёки ҳолатни юзага чиқарган бошқа бир ҳаракат, ҳолат ёки кечинмани ифодалашда ишлатилади. *Ким билади, [Гулнор] ота-она сиқиғи остида балки (бойга турмушга чиқишга) кўниккандир.* Ойбек, Танланган асарлар. *Карим ўзининг диққат бўлиб турганлигини сездирмаслик учун мажбурият остидагина бир илжайдида, қўл бериб кўришди.* Ойдин, Фонарь тагида.

3 Маълум нарса номи билан, воситасида. *Газетанинг биринчи бетида «Олимнинг янги кашфиёти» сарлавҳаси остида катта мақола чоп этилди.*

Оёқ остида *қ.* **оёқ** I **1. Қаноти остида бўлмоқ** *қ.* **қанот. Қўл остида** *қ.* **қўл.**

ОСТИДАН *кўм. взф.* Тагидан, ичидан. *Пальто остидан костюм киймоқ.*

Ер остидан қарамоқ (*ёки* **боқмоқ, разм солмоқ, кўз қирини ташламоқ**) Зимдан қарамоқ. *Ҳожи йўлакдаги ойимга ер остидан кўз қирини ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яхшибоев ер остидан боқиб, ҳамма ёғи жой-жойида, тиқмачоқдай, деб ўйлади.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОСТИН-УСТУН 1 *сфт.* Бири устидан иккинчиси; икки қаватли, қават-қават. *Остин-устун иморатлар.*

2 Хароб, вайрон; тўс-тўполон. *Ҳамма ёқ остин-устун, Остин-устун қилмоқ. Остин-устун бўлмоқ.* ▬ *Шамолнинг қудрати ҳазилакам эмас. У саҳрони остин-устун қилиб, қум тепаларни учириб олиб юради.* «Фан ва турмуш».

Остин-устун қилмоқ *кўчма* Чалғитмоқ, бузмоқ. *Ёқубжон менинг мудроққа мойил танимга ғулғула солди, хаёлларимни остин-устун қилиб юборди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОСТИРМОҚ Осмоқ фл. орт. н. *Тракторларга культиваторларни остирмоқ. Қозон остирмоқ.* ▬ *-Кун сайин неча гуноҳсизларни остирган, кестирган, болаларимизни етим, оналаримизни қон йиғлатган сен эмасмидинг? — дер эди халқ Азизбекка.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОСТИТ [остео.. + *лот.* itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Суяк тўқимасининг яллиғланиши ёки дистрофиясидан иборат касаллик.

ОСТКИ Остда, пастки томонда жойлашган; пастдаги, қуйидаги, пастки. *Бинонинг остки қавати.* ▬ *Тешабой остки лабини тишлаб, пича ўйланиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОСТЛИК Бирор нарсанинг остига қўйиладиган бошқа нарса, таглик. *Дазмол остлиги.*

ОСТОНА [*ф.* آستانه — кираверишь, бўсаға; арафа; шоҳ саройи; дахма] **1** Эшик, дарвоза чорчўпининг остки кўндаланг ёғочи; бинога, ҳовлига кираверишдаги ерга кўндаланг ётқизилган ёғоч, тахта, харсанг ва ш.к.; бўсаға. *Баланд остона. Уй остонаси. Кўча эшик остонаси.* ▬ *Эшик қаттиқ тепки билан очилди-ю, остонада чувалчангдай чувак.. бир киши пайдо бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аҳмад бригадир Нусратбекни янги дарвоза остонасида кўриши биланоқ аҳволи руҳиясини тушунди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *кўчма* Уй, хонадон, даргоҳ. *-Шу ер туфайли бизлар сенинг остонангга бош эгиб, қуллуқ қилиб келдик, — деди Ойимхон.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Санъат шундай буюк даргоҳки, унинг остонасига қадам қўйдингми, орқага чиқишнинг имкони йўқ.* «Саодат».

3 *кўчма* Қишлоқ ёки шаҳарга кираверишдаги жой, бўсаға. *Искандар Хўжанд остонасида қаттиқ талафот кўрган.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Чекинган душман қишлоқ остонасидаги тепаликка чиқиб олиб, қаршилик кўрсата бошлади.* Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев.

4 *кўчма* Бирор воқеа ёки ҳодисанинг бошланишига яқин қолган пайт; арафа. *Ҳали эсини танимаган, ўт-олов бола шу ерда балоғат остонасига етди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Юртим, сени яна қутлаб қўяйин, Қутлуғ Янги йилнинг остонасида.* А. Орипов, Йиллар армони.

5 *геогр.* Дарё остидаги, баъзан сувдан чиқиб кўриниб турадиган ва сув оқимини тезлаштириб, кемалар қатновини қийинлаштирадиган баландроқ жой, дўнглик.

ОСТ-УСТ *айн.* **остин-устун.** *Ҳовлимни у [Зиёдхўжабой] ўзиникига қўшиб, ост-уст иморат қурмоқчи, яйраб яшамоқчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг [Султонмуроднинг] бу қарашлари халқ бўрони ичида ост-уст бўлди.* Ойбек, Навоий.

ОСУДА [*ф.* آسوده — тинчланган; тинч, осойишта, хотиржам] Тинч, беташвиш; хотиржам. *Шу кунларни, шу осуда ҳаётни қанчалар орзу қилган эдик.* «Ёшлик». *Маъсум, осуда юзи юрагимга шундай яқин туюлдики, унинг очиқ, нозик туйғуларидан иборат бўлиб кўринган қалбини ҳар қандай шикастдан ҳимоя қилишга тайёр эдим.* А. Мухтор, Асарлар. *[Навоий:] Ҳайҳот, бирор осуда дам йўқ. Кўнгил йиғлайди-ю, кўзларда нам йўқ.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бутун шаҳар халқи сокин уйқуда. Ором олмоқдасан сен ҳам осуда.* Х. Расул.

ОСУДАЛИК Тинчлик, осойишталик; сукунат. *От туёғининг қаттиқ дупури тун осудалигини бузди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ОТ I **1** Якка туёқлиларга мансуб ўтхўр, сутэмизувчи йирик иш-улов ҳайвони. *Оқ от. Қашқа от. Йўрға от. От абзали. Отга тақа қоқмоқ. Отга минмоқ. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.* Мақол. ▬ *Сидиқжон эгарга яхшироқ ўрнашиб, отнинг жиловини силкиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Узоқдан от елдириб келувчи отлиқни кўрган Содиқ кўчанинг ўртасида тўхтади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

От заводи От наслини яхшилаш ва наслдор, юқори сифатли отларни кўпайтириш билан шуғулланувчи махсус хўжалик, корхона. **От кучи** *махс.* 75 кг/м секундга ёки 0,736 квтга тенг қувват. *80 от кучига эга бўлган трактор.* **От спорти** Отда юриш, машқ қилиш мусобақаларининг умумий номи. *Олимпиада ўйинлари дастурига от спортининг бир неча турлари киритилган.* **От ўйин** *эск.* 1) *айн.* **цирк**. *-Шу, театр дегани нима, от ўйиними? — Абдишукурдан сўради чойфуруш Садриддин бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *айн.* **карусель.**

2 Отнинг бошига ўхшатиб ясалган шахмат донаси, асп. *Отни юрмоқ. От билан шоҳ бермоқ.*

3 Мучал йил ҳисобида еттинчи йил номи. *Унинг йили* от.

От йили Мучал йил ҳисобида еттинчи йил (*қ.* **мучал**). **От миндирмоқ** От совға қилмоқ, от билан мукофотламоқ. *Эшитганлар шоирга раҳмат айтиб, бири тўн кийдириб, бири от миндирибди.* Шукрулло, Сайланма. *Бугун биз канал қазиш муддатини тезлатишга ташаббускор бўлган икки донгдор қурувчига от миндирмоқчимиз.* С. Аҳмад, Уфқ. **От солмоқ** *айн.* **от қўймоқ 2**. **От қўймоқ** 1) отнинг жиловини бўш қўйиб елдирмоқ; 2) минган отини бирор кимса томон йўналтириб ҳужум қилмоқ. *Кеча-кундуз тоғма-тоғ душманга қарши от қўйиб, уруш очамиз.* М. Муҳамедов, Машқ. **Отдай бўлиб кетмоқ** Соғаймоқ, касалликни унутиб юбормоқ. *Ота, ташвиш тортманг, сал ўтмай отдай бўлиб кетасиз.* «Шарқ юлдузи». **Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди** Илгариги мавқеи ёки мартабасидан тушгандан кейин ҳам такаббурлигини ташламаган киши ҳақида. **Отни қамчиламоқ** *қ.* **қамчиламоқ.**

ОТ II **1** Кишининг шахсий исми, ном. *Чақалоққа от қўймоқ. Оти(нг) ўчсин (ўчгур)! қарғ. Оти(нг) қурсин (қурғур)! қарғ.* ▬ *[Мирзакаримбой:] Отинг нима жиян? -Отим Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Яхши қиз, кечирасиз, отингизни билмайман, сиз хотиржам бўлинг, бирон жойи бир нима бўлса, ўзим тузатиб бераман.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ўргатилган ҳайвонларнинг номи; лақаб. *Бунинг оти Тўрткўз эмас. Арслон.*

3 Умуман, нарсаларнинг, ҳодисаларнинг номи, ном билдирувчи сўз. *Бу.. тоғнинг оти Музлоқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мингўрик мавзеи отидан ҳам маълум — бунда минг чоғлиқ ўрик дарахти ўсгани учун.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Сафар бўзчи:] Чўзма кекирдагингни, буқоқ.. андишанинг отини қўрқоқ қўйдингми?!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *[Жаннат опа:] Қиҳ.. ҳалиги оти қурсин.. Маликбойнинг майдонида!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

От қўймоқ Ном бермоқ, атамоқ. **Оти йўқ** *эвф.* Чаён ҳақида айтилади. **Отига(гина)** Шунчаки, кўринишга, номига. *У отигагина раис, ҳамма иш муовин қўлида.* ▬ *Отигагина хон бўлиб ўтирувчи Худоёрхон, Мусулмонқул майдондан олингунча ўзининг қўғирчоқ сифат юра беришини тушунди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Отимни бошқа қўяман** Қасам, онтни ифодаловчи ибора. *Бошланган ишни охиригача олиб бормасам, отимни бошқа қўяман.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

4 Унвон, мансаб, ном. *Бир қари одамга «куёвлик» отини бериш ҳам уни куёв бўлгандай қувонтиради.* С. Айний, Қуллар.

5 *с.т.* Зот, уруғ. *[Суннат:] Кел, ўша Муҳаррамing бўлмаса, бошқаси-да, қиз оти қуриб кетибдими?* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

6 Шуҳрат, донг. *Яхшидан от қолар, ёмондан дод қолар.* Мақол. ▬ *Излар бўлдим Қоражоннинг қизини, От кўтарган Зулхуморнинг ўзини.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

От чиқармоқ Ном чиқармоқ, донг таратмоқ, шуҳрат қозонмоқ, машҳур бўлмоқ, танилмоқ. *Қўлингдан келганча чиқар яхши от. Яхшилик қил, болам, ёмонликни от!* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

7 Шаън, номус, ғурур. *[Уста Олим:] Сизга хабар бериб ўтиришни йигитлик отига эп билмай, менга ҳам бир нарса сездирмаган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 *тлш.* Предметни билдириб, «ким?» ёки «нима?» сўроғига жавоб бўладиган сўз. *Турдош от. Атоқли от. Мавҳум от.* ▬ *Бирор шахс, нарса ёки жойга атаб қўйилган номлар атоқли отлар саналади.* «Она тили» дарслиги.

ОТА I **1** Фарзандли, бола-чақали эр киши (ўз болаларига нисбатан). *Ота бўлмай, ота қадрини билмас.* Мақол. ▬*Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тожиддиннинг отаси ҳам кампирининг ўлимидан кейин кўп ўтмай вафот этган эди.* С. Зуннунова, Олов.

Ота касб Ота шуғулланган касб (фарзандга нисбатан). *Бешиксозлик Раҳим акага ота касб.* «Саодат». *Катта бўлгач, ҳаммоллик менга ҳам ота касб бўлиб қолади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ота юрт** (*ёки* **макон**) Ота туғилган, ўсиб-улғайиб яшаган жой. *Нусратбекнинг ота юртида илгари ҳам саратонда, икки-уч йилда шундай бир шамол эсиб, палакларни ағдариб кетарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бир зумгина чайқалиб олди Ота макон — қирларим, чўллар.* С. Саййид. **Отаси** *этн.* Хотиннинг ўз эрига мурожаат этиш шакли. **Қайин ота (қайнота)** Эр-хотиннинг оталари (эрга нисбатан хотиннинг отаси ёки хотинга нисбатан эрнинг отаси). *Сал ўтмай,*

ҳовлига Салимжоннинг қайнотаси савлат тўкиб кириб келди. Газетадан.

2 Ёши катта кишиларга мурожаат қилишда ёки уларни ҳурматлаш учун ишлатилади. *Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.* Мақол. ▬ *Юнусали ота қаёққа боришни билмай, ҳардамхаёл бўлиб тургандан кейин идора тарафга йўл олди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қоратой Ўрозни дарров Шокир отага юборди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўғил болани эркалатиш учун ишлатилади.

4 *кўчма* Бирор иш ёки ҳаракатни бошлаб берган, унга асос солган киши ҳақида. *Абдулла Қодирий ўзбек романчилигининг отасидир. Жуковский рус авиациясининг отасидир.*

5 *кўчма* Меҳрибон бошлиқ, раҳнамо ҳақида. *У [Михаил Маркович] колхозчиларга ота бўлди, ғамхўрлик қилди, иш ўргатди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

6 Эл-юртга бошчилик қилувчи, ёши ёки мансаби улуғ зот ҳақида *[Ёрмат:] Тайёрлан, қизим, Сенга юрт отаси, элликбошимиз гапирадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бор отангга, бор онангга Сансалорликни ифодалаш учун ишлатилади. **Ота гўри қозихонами?** *қ.* **гўр. Отангга раҳмат** Кимсадан мамнун эканликни ифодаловчи олқиш ибораси. **«Отанг яхши, онанг яхши» қилиб** Ялиниб-ёлвориб; олқаб-мақтаб.

ОТА II *айн.* **орол.**

ОТАБЕЗОРИ Безорилиги ва дилозорлиги учун ҳатто ўз отаси ҳам юз ўгирган; оқпадар. *Бой эса яна отабезори ўғилларининг надомати билан юзма-юз, ёлғиз қолди.* «Ёшлик». *Сен ҳали шунақа ўзбошимча бўлиб қолдингми? Бундай ишни отабезорилар қилади.* Газетадан.

ОТАБЕК *тар.* **1** Яқин Шарқдаги айрим мамлакатлар давлат (князлик, беклик) бошлиқларининг унвони.

2 Салжуқий султонлар валиаҳдларининг мураббийси (унинг вазифаси шаҳзода ва хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етгунларига қадар бошқаришдан иборат бўлган).

ОТА-БОБО(ЛАР) Илгари яшаб ўтган кишилар; аждодлар. *[Рўзимат:] Э, Сиддиқжон ака, бизга иш топилади, ота-боболаримиз қилмай, қилолмай, бизга ташлаб кетган иш кўп!* А, Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У етти ухлаб ҳам ота-бобосининг тушига кирмаган шаҳарни кўрди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОТА-БУВА(ЛАР) *с.т.* Ота-бобо(лар). *Бахтимизга ота-бувамиздан қолган чойхоналар бор экан, номардга муҳтож бўлмай, буқадек лорсиллаб юрибмиз.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ОТАЛАРЧА *рвш.* Ўз отасидай, ўз отаси каби. *Оталарча насиҳат қилмоқ. Оталарча ғамхўрлик.* ▬ *Ҳалим бобо Ойқизнинг қўлларини сийпалаб, оталарча эркалади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жўраполвон ўрнидан туриб, Азизхонни оталарча бағрига босиб, қўйиб юборди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОТАЛИ Отаси бор, отаси ҳаёт. *Отали етим — орсиз етим, онали етим — орли етим.* Мақол. ▬ *Ўлган алпим тирилиб келар дейман, ёр-ёр. Ёдгоржоним отали бўлар дейман, ёр-ёр.* «Алпомиш».

ОТАЛИК 1 Отанинг ўз фарзандига бўлган муносабатлари ва шу муносабатларга боғлиқ ҳолатлар. *Оталик бурчи. Оталик муҳаббати.* ▬ *Қутбиддиновнинг оталик меҳри жўш уриб кетди, Суярнинг бошидан, юзидан ўпди, қучоқлади.* А. Қаҳҳор, Ўжар. *Тоғай ўша тун оталик бахтини ҳис этиб, хаёл қанотида юксак-юксакларга учди.* «Ёшлик».

Оталик қилмоқ 1) отага хос вазифани ўтамоқ: боқмоқ, кийинтирмоқ, тарбияламоқ (фарзандга нисбатан); 2) оталарча ғамхўрлик, меҳрибонлик қилмоқ, ёрдам бермоқ (бошқа кишига нисбатан). *Юртга оталик қиладиган, кўп азаларда етимларнинг бошини силаб, кўз ёшини тиндирган Тоға Азизхонни овутиш учун бисотидан бирон жўяли гап тополмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Болачақангизнинг орзусини кўринг, оталик қилдингиз.* Ойдин, Эрк юрак.

2 *бот.* Ўсимликларда ҳосилни вужудга келтирувчи эркак генератив аъзо; чангчи. *Ток гулида оналиги яхши ривожланган бўлиб, оталиги эса унча яхши тараққий этмаган.* «Фан ва турмуш».

ОТАЛИҚ 1 Моддий, маданий ёки бошқа хил ёрдам кўрсатиш, шу йўл билан ташкилотлар ва кишиларни бир-бирига боғлашдан иборат ижтимоий бурч, фаолият. *Оталиққа олмоқ.* ▬ *Ҳар биримизни алоҳида-алоҳида тўқувчи мастер хотинлар оталиққа олишди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Туман саноат корхоналари ва ташкилотлари*

жорий ва капитал ремонт қилиш учун уй-жой биноларини оталиққа олишни ташкил этмоқда. Газетадан.

2 Шундай ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олган киши ёки ташкилот.

3 *тар.* Кавказ халқлари, араблар ва б. баъзи халқларда бадавлат ота-оналар томонидан фарзандларини маълум ёшгача тарбиялаш учун вассаллар ва хизматкорларга бериш одати.

4 *тар. айн.* **отабек 2.**

5 *тар.* Хонлар саройида энг юқори амаллардан бири; хоннинг маслаҳатчиси. *Қушбегилар, оталиқлар ўзимиздан, ўртада улардан битта-яримта додхоҳлар бўлса бор.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ОТАМЛАМОҚ Отани қўмсамоқ; отам деб додламоқ. *Олдинда бели боғлиқ, ҳасса тутган Йўлдош, Хайри ва яна тўрт-беш киши «отамлаб» боришди, орқада тобут, эркаклар марҳумни навбат билан елкаларида кўтариб, сўнгги йўлга кузатдилар.* «Ёшлик».

ОТАМЛАШМОҚ 1 Ҳасратлашмоқ, юракдаги дард-аламларни ўртоқлашмоқ. *У [Умурзоқ ота] ҳар гал Ғани самоварчининг ҳужрасига тушар, у билан отамлашиб, дардини ёзиб келарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Ёзилиб, мириқиб, кўнгилли суҳбат қилмоқ, улфатлашмоқ. *Улар меҳмонлар кетгандан кейин ҳам алламаҳалгача отамлашиб ўтиришди.* Т. Ашуров, Оқ от. *-Ҳа, қаёққа, — деди Мадамин ҳам шовқин солиб, — отамлашиб ўтирайлик ахир бирпас!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОТА-ОНА Боланинг ота ва онаси. *Ота-оналар мажлиси.* ▬ *Ота-онангизга нисбатан қандай яхши муомалада бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сизга шундай муомалада бўладилар.* «Фан ва турмуш».

ОТАР I **1 Отмоқ** фл. сфдш. *Тонг отар чоғи. Олти отар миномёт.*

2 *от, с.т.* Катта базм, тўй. *Қирмизхон ҳали ҳам гоҳ-гоҳида хуфёна тўйга чиқар, отардан тушган тўн, кўйлак, дўппи, ҳеч бўлмаганда, бир жуфт ароқ ёки коньяк билан бошлиғининг кўнглини олиб турар эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Отар пули Тўй ёки базмда хизмат қилган машшоқ, хонанда, ўйинчиларга тушган пул.

ОТАР II Яйловда боқиладиган қўйларнинг йирик тўдаси; йирик пода ва у сақланадиган жой. *Отар серўтроқ жойга кўчирилди.* ▬ *Рўзи бобо бутун отарга бир ўзи қараб, чўпонларни пичан ўриш, йиғишга солган.* О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи Бахши. *Тўртта отаримиз қор остида қолиб кетди, - деди директор.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ОТ-АРАВА От ва арава; от қўшилган арава. *Қовун пишиб чириб кетди.. Қўшнимдан от-аравани бир кунга тилаб олган эдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *От-аравалар бирин-сирин саройга олиб кирилди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

ОТАРЧИ *с.т.* Тўй ва базмларда мўмай пул топишга мослашган мусиқачи, ашулачи, раққоса. *Эсонбой суратдаги тўйма-тўй юрадиган шу қишлоқлик отарчини таниди.* «Ёшлик». *Тўйма-тўй юришни асосий касбига айлантириб олган ашулачини «отарчи» дейишади.* Газетадан.

ОТАРЧИЛИК Тўй, базмларда юриш билан шуғулланиш. *Тўтихон отарчиликда бозори касодга учрагач, гўяндалик ва «хотинча хатми қуръон оши, биби сешанба»ларда кайвониликни машқ қила бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ОТАХОН 1 Кекса кишиларга ҳурмат учун қўлланадиган мурожаат шакли. *[Ўрмонжон:] Отахон, дейман, ўйингга уста экансиз-ку.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Кишилар ўз отасидай ҳурмат қиладиган кекса одам. *Кулги таққа тўхтади, қаёқдандир, темир ҳассасини дўқиллатиб Бобоқул ота — қишлоқ болаларининг яқин отахони пайдо бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Ўз соҳасида ёшларга раҳнамо кекса киши. *Отахон шоирларимиз.*

4 Отахон (эркаклар исми).

ОТАШ [*ф.* آتش — ўт, олов; отишма, ўт очиш] *кт.* **1** Ўт, олов. *Одам - ишдан, маъдан - оташдан баҳра топади.* Мақол. ▬ *У ўз муродига етгани учун муқаддас оташ ва сув худосига шукур қилиб, аллақандай бир дуони ўқиди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Юрьев батареялари ёпиқ позициядан туриб, ёв устига жаҳаннам оташи ёғдирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Дилни ёндирадиган, ўртантирадиган ҳароратли ҳис-туйғу, *Ҳижрон оташи.* ▬ *Ҳафиза Умид юрагидаги оташга сув сепиб, ўчириб кетмоқчи бўлди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОТАШАРАВА [оташ + арава] *с.т. эск.* Паровоз, поезд.

ОТАШГОҲ [*ф.* آتشگاه – оташпарастлар ибодатхонаси] **1** *кт.* Ўт, олов ёниб турган жой.

2 Оташпарастлар сиғинган, доимий олов ёниб турадиган махсус бино. *Қадимда ҳокимиятни қўлга олган ҳар бир подшоҳ ўз номидан махсус оташгоҳлар қурдирган.* «ЎзМЭ».

ОТАШДОН [*ф.* آتشدان – манқал; кабоб кўра] Олов, ўт солинган идиш; кабоб кўра. *Эрназар сихларни оташдонга териб, чап қўлидаги елпиғич билан елпиб пишираверибди.* «Эртаклар».

ОТАШЗАБОН [*ф.* آتش‌زبان – ўткир тилли; қочиримли сўзлайдиган; тили аччиқ] *кт.* Нутқи ўткир, таъсирчан; сўзга уста, сўз билан қалбларни ҳаяжонга келтирадиган. *Оташзабон нотиқ.* ▬ *Сочма шеър ёзганда, ростдан ҳам Миртемир оташзабон шоирга айланади.* Т. Жалолов, Миртемир.

ОТАШИН [*ф.* آتشین – қизғин, жўшқин; эҳтиросли; алангали] **1** *кт.* Қалб ҳарорати билан иситилган; қизғин, жўшқин; эҳтиросли, алангали. *Оташин салом. Оташин муҳаббат. Оташин нутқ.* ▬ *Дунёда қолмасин фашист деган ном. Меҳнат диёридан оташин салом!* Миртемир, Асарлар. *Сўзлар қарсакларга, қарсаклар оташин хитобларга уланиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Бутун қалби, жони-тани билан берилган, қалби олов. *Оташин нотиқ. Оташин курашчи.*

ОТАШКУРАК Ёниб ёки қизиб турган нарсани, чўғни қисиб олиш, оловни тузатиш учун ишлатиладиган уй-рўзғор асбоби. *Оташкурак билан чўғ олмоқ.* ▬ *Дмитрий Казимирович оташкурак билан печкадан чўғ олиб, самоварнинг ўтхонасига ташлади.* А. Мухтор, Асарлар.

ОТАШЛАНМОҚ *поэт.* Оташдек ёнмоқ, жўш урмоқ.

ОТАШЛИ *кт.* Оловли, ўтли; қизғин, жўшқин. *Оташли йиллар.* ▬ *Гарчи яшамадим беиқбол, нигун, Гарчи давраларим нурли, оташли.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОТАШНАФАС [оташ + нафас] **1** Нафаси, дами оташдек иссиқ, ҳароратли. *Чўлдан воҳага гармсел деб аталадиган оташнафас шамол эсиб туради.* Газетадан.

2 Нутқи ўткир, таъсирли, эҳтиросли. *Машраб гоҳ пиёда, гоҳ эшакда кўп ўлкаларни кезган оташнафас бир шоир.* Ойбек, О.в. шабадалар.

3 *эск. дин.* Гўё дуоси ижобат бўладиган, нафаси дардга даво бўладиган. *Одамлар Султондевонани «оташнафас» вали деб мақташар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ОТАШПАРАСТ [*ф.* آتش‌پرست – ўтга топинувчи] Ўтга топинувчи, ўтга сажда қилувчи; мажусий. *Оташпараст қабилалар.*

ОТАШПАРАСТЛИК *айн.* **зардуштийлик.** *Олимларнинг эътирофига қараганда, оташпарастлик Хоразмда вужудга келган.* Газетадан.

ОТАШХОНА [оташ + хона] **1** *айн.* **ўтхона.** *Паровознинг оташхонаси.* ▬ *Уйнинг ўнг бурчагида чўян печ, карнайи шифтдан чиқарилган, оташхонаси қизариб, карнай чирс-чирс этарди.* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт. *Самоварнинг оташхонасига чўп тиқаётган Ражаб бобо ҳам унга қараб кулди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *айн.* **оташгоҳ 2.**

ОТАШҚАЛБ [оташ + қалб] *поэт.* Қалби оташ, юрагида ўти бор; оташин. *Оташқалб ёшлар.* ▬ *Машраб ўз замонасининг оташқалб ва теззабон шоирларидан бўлган.* Газетадан.

ОТБОҚАР Отларга қаровчи, отларни парвариш қилиш билан шуғулланувчи киши. *Отбоқар фонусини ерга қўйиб, югурганича отхонага кирди ва ҳаял ўтмай бир отни етаклаб чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Биринчи механик соатни от тортиб юрган, унинг тўғри юриши отбоқар гарданида бўлган.* «Фан ва турмуш».

ОТДОШ Бошқа биров билан исми бир; бир хил исмли кишилар ёки нарсалар; адаш. *-Итингнинг оти ўз тусига муносиб экан-куя, – деди Қулмуродга Шокир, – эсизки, Қушбегининг ўғли билан отдош экан.* С. Айний, Қуллар.

ОТЕЛЬ [*фр.* hotel – ҳашаматли уй, бино] Меҳмонхонанинг халқаро номи. *Халқаро меҳмонхоналар тармоғидан муносиб ўрин олган мазкур уч юлдузли отель туризм тоифасига ҳам киритилди.* Газетадан.

ОТИАТРИЯ [*юн.* us, otos - қулоқ + iatreia –даволаш] Оториноларингологиянинг қулоқ касалликларини, уларни даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганувчи бўлими.

ОТИЗ *шв.* Бир марза ер; марза. *Ариқ қазимасанг, отизга сув чиқмас.* Мақол. ▬

Бекжон кетмон билан отиздан отизга ўтиб, кичик ариқларни боғлайди, чарчаган отасининг ўрнини босади. Ж. Шарипов, Хоразм.

ОТИЛМА *геол.* Вулканлардан отилиб чиққан; отқинди. *Отилма тоғ жинслари.*

ОТИЛМОҚ 1 Отмоқ 1, 3, 5-6, 9-12 фл. мажҳ. н. *Яқинда учта бўри отилди. Айтилган сўз — отилган ўқ.* Мақол. ▬ *Оғзи катта қора тўплар Отилди майдон ичинда, Мард йигитнинг ширин жони Сотилди майдон ичинда.* «Равшан».

2 Отмоқ 3 фл. ўзл. н. *Шу вақт команда берилди: «Сафлан!» Нормат Адолатнинг ширмон юзидан ўпди ва она бағрига отилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қамариддин отилиб келиб, унинг бўйнига пичоқ санчди.* «Ёшлик».

3 Ўзини бирор томонга урмоқ. *Йўлчи кескин ҳаракат билан қайрилиб, ташқарига отилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Шиддат билан юқорига кўтарилмоқ. *Қайнаб чиқар нефть булоқлари, Фонтан бўлиб отилар тикка.* Ў. Мирзо. *Шариллаб отилиб чиқаётган артезиан сувига бошини тутиб турди.* С. Аҳмад, Уфқ.

5 *кўчма* Ўз ихтиёри билан талабгор бўлиб чиқмоқ, сафарбар бўлмоқ. *У биринчи отилиб чиқиб, паранжи ташлаган хотин.* ▬ *Халққа эрк учун, нон учун, маданият учун курашга отилмоқ керак.* Ойбек, Нур қидириб.

ОТИМ Бир отишли, бир чекишли. *Бир отим нос.* ▬ *[Ниёз қушбеги] Носқовоғини қоқа-қоқа, бир отимини тилининг тагига ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОТИН 1 *тар.* Эски мактабларда қизлар ўқитувчиси; дин ва шариат билимдони. *Ҳар кун қўшнимиз отин бибида қиёмгача ўқиб, кейин то кечгача, кўпинча кечалари ҳам, аямнинг ёнига кириб, тикиш тикдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Отин биби (*ёки* **буви, ойи**) Уйида мактаб очган аёл. *Ёзишни билмайдими? -Қайдан биладиг қишлоғимизда отин буви бўлмаса, ўқимаган-да.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Опанинг овози, отин ойиларнинг овозига ўхшаб, фақат битта нотада юрар экан.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 *этн.* Аёллар ўртасида диний маросимлар (мас., мавлуд) га бошчилик қиладиган аёл.

3 *с.т.* Ҳар қандай ўқимишли ёки ўқитувчи аёл. *Шу чинорга чиққанга, Чиқиб уни йиққанга, Сўзсиз, хотин бўламан. Гўзал отин бўламан.* Ҳ. Олимжон. *-Ойинг ҳам отин бўлади, — Мавлон ака Кароматнинг гапидан завқланиб кулиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Гулнор Йўлчига хат ёзишга қарор қилган ва сўзларини айтиб турган, отин қиз эса Гулнор сўзларини силлиқлаб, қоғозга кўчирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ўқимишли, обрўли аёлларга мурожаатда ёки улар тўғрисида гап борганда, исмига қўшиб ишлатиладиган сўз. *Шакар отин. Фотима отин.* ▬ *[Юсуфбек ҳожи:] Болам, Зайнаб отин, сиздан ҳали ёшлик ғурури кетмаган, лекин менинг болам бўлганингизни сиз ҳам унутманг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОТИНЧА Ўқимишли ёш хотин ёки қиз. *Энди ўзи ўқимаса ҳам, отинча бўлиб, болаларни ўқитади.* «Қаҳрамонлар». *-Ҳа, айланай отинчадан! — кўкрагига бир урди бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отинча қизим-ҳо, ўзимнинг отинча қизим, қанисан?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОТИНЧАХОН *айн.* **отинча.**

ОТИТ [*юн.* us, otos — қулоқ + itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] Қулоқнинг яллиғланиши.

ОТИШ 1 Отмоқ фл. ҳар. н. *Диск отиш. Найза отиш.*

2 Жанговор қуроллардан ўқ узиш; ўқни мўлжалга уриш машқи, маҳорати. *Отишни ўрганмоқ. Отишдан аъло баҳо олмоқ.* ▬ *Командир отиш қоидасини бир-бир сўраб чиқди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Қулоч отиш Сувда эркин сузиш, чўмилиш. *Муздек сувда яйраб-яйраб қулоч отиш бир роҳатижон, ўзни офтобга тоблаб ётиш бир оромижон.* М. Мансуров, Ёмби.

3 *айн.* **отишма.**

ОТИШМА Жангдаги икки томоннинг бир-бирига қарши узлуксиз ўқ узиши, ўқ отиши, ўқ ёғдириши; отиш, отишув. *Артиллерия отишмалари.* ▬ *Отишмалар Нормат ётган ердан узоқлашди-ю, бир оздан кейин яна яқинлашди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кечга яқин отишмалар, портлашлар тинди, вайрона шаҳар устига тун чўкди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

ОТИШМОҚ Отмоқ 1-6, 9-10, 12-13 фл. бирг. н. *Қизлар жангларда йигитлар билан ёнма-ён туриб отишадилар.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Ёшу яланг, қарию қартанглар.. бирбирларига гап отишади, аския қилишади, куйлашади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОТИШУВ 1 Отишмоқ фл. ҳар н.

2 *айн.* **отишма.**

ОТКРИТКА [*р.* открытка – очиқ хат < открытый – очиқ] Почта орқали табрик ёки маълум хабарлар ёзиб жўнатиладиган, безакдор, одатда очиқ, конвертсиз ишлатиладиган варақча. *Бу откриткага атир гулнинг нусхаси солинган бўлиб, орқасига Бахтиёрнинг қўли билан қинғир-қийшиқ хатлар ёзилган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Ота-онангизга, яқин дўстларингизга улуғ ва мўътабар шахсларга ёзилган откриткани конвертга солиб юборинг.* Газетадан.

ОТЛАМОҚ 1 Қадам ташламоқ, одимламоқ. *Энг олдинда, байроқ тагида Тикка отлаб ўғлим боради.* Ҳ. Пўлат.

2 *кам қўлл.* Сакрамоқ, ирғимоқ, ҳатламоқ.

От отлаб, туя қўмлаб *қ.* **қўмламоқ.** *[Ўзбек ойим:] Марғилон деган юртдан от отлаб, туя қўмлаб кел эмиш-да, бир ойгина турмай, кет эмиш!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОТЛАНИШМОҚ Отланмоқ фл. бирг. н. *Тўлқинни етаклаб, уйга кирган Адолат Эъзозхон билан қизининг токчадан дафтар-қалам олиб, йўлга отланишаётганини кўриб, ҳайратда қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОТЛАНМОҚ 1 Отга минмоқ. *Ўрмонжон [Аҳмедовнинг] бир гапини.. отлангани узангига оёқ қўяётганида эслади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Бирор жойга бориш учун шайланмоқ, тайёрланмоқ, ҳозирлик кўрмоқ. *Кечки соат олтиларга яқин кўп қатори Тоштемир ҳам учрашувга отланиб, кўчага чиқди.* «Ёшлик». *[Кумушга онаси:] Тур, бўлмаса, юз-қўлингни ювиб отлан, худо ўлим берсин уятсиз эрингга!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Бирор ишни бажариш учун шайланмоқ, жазм қилмоқ. *Янги ғалабалар сари отланмоқ.* ▬ *Сен ёвга қарши отлан, Мен жиловдоринг бўлай.* Миртемир, Асарлар.

Жини (*ёки* **ажинаси**) **отланмоқ** *айн.* **жини қўзғамоқ** *қ.* **жин** I. *[Набижон] Уни [Отажонни] кўрдими, ажинаси отланаверадиган бўлиб қолган эди.* Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

ОТЛАНТИРМОҚ Отланмоқ фл. орт. н. *Қишлоқ меҳнаткашларини пахта учун курашга отлантирмоқ.* ▬ *Эгарлаб берайин Чибор отингни, Отлантирай сендай валламатимни.* Фозил шоир. *Мени жанг-жадалга отлантирган фақатгина қуролим борлиги бўлган эмас, чунки қурол бошқаларда ҳам бўлган.* Шукрулло, Сайланма.

ОТЛИ I Оти бор; от қўшилган. *[Салимбойвачча] Қўш отли извошни кира қилиб, ясаниб, «шўхлик» қилиш учун янги шаҳарга жўнаб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОТЛИ II Исмли, номли; исм ёки номга эга бўлган; ..деб аталадиган. *[Тўра] Ёвонимизда Жумагул отли бир қиз бор.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Ёмон отли бўлмоқ Эл-юрт ичида ёмон от чиқармоқ, бадном бўлмоқ. *Ахир, бош олиб кетадиган бўлса, бир умр ёмон отли бўлади-ку, эл олдида шармандаю шармисор бўлади-ку, уят ўлимдан қаттиқ, дейдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўз қизимни тўй қилиб бериб, эшитган гапим шу бўлдими? Ўғри бўлиб чиқдимми! Ёмон отли бўлдимми!* М. Мансуров, Ёмби.

ОТЛИҚ От минган; сувори. *Отлиқ аскар. Отлиқ полк.* ▬ *Икковга биров ботолмас, отлиққа яёв етолмас.* Мақол. ▬ *Кўчанинг бир томонида булутга ўхшаш чанг-тўзон кўтарилди ва ҳадемай бир тўда отлиқ кўринди.* С. Зуннунова, Олов. *У [Тўламат] урушда ҳам отлиқ армияда хизмат қилган, қайси бир генералга ординарец бўлган экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

Отлиққа (ҳам) йўқ Ҳеч қаерда йўқ, сира топиб бўлмайди. *Асал отлиққа йўқ, ҳали биз пиёда-ку!* А. Қаҳҳор, Анор.

ОТМОҚ 1 Қўлни силтаб ёки қулочкашлаб, қўлидаги нарсани узоққа ёки мўлжалга ирғитмоқ, улоқтирмоқ. *Тош отмоқ. Граната отмоқ. Кўпга кесак отма.* Матал. ▬ *Ёрмат пичоқни суғуриб олиб, узоққа отди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ташламоқ, ирғитиб юбормоқ. *Тантибойвачча кўрпачага бемалол ўтириб, дўпписини бир чеккага отди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ошиқ отмоқ *қ.* **ошиқ** II **2.**

3 Шиддат билан бирор томонга, жойга ташламоқ ёки ташланмоқ, отилмоқ. *Гулнор ҳушсизланган каби, бошини онанинг тиззасига отди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болакай, ястаниб ётган поёнсиз лолазордан югуриб келиб, ўзини унинг қучоғига отди.* «Шарқ юлдузи».

4 Кўтариб ерга урмоқ, йиқитмоқ (курашда). *У [Сиддиқжон] ҳозир курашда рақи-*

бини ёнбошга олиб отган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қўтосни отмади, зўр билан уни майдоннинг четига – қаттиқ ерга судради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

5 *с.т.* Чекмоқ; тортмоқ. *Чори ота бармоқлари титраб, нос отди.* С. Нуров, Нарвон. *Шу вақтда кимдир, бурнаки отгандек, қайта-қайта апшурди.* Ойбек, Навоий.

6 Тортмоқ, ичмоқ (ичимлик ҳақида). *Эсонбой чорпояга чиқиб, у билан ёнма-ён ўтирганда, чол жиндай отиб олганини сезди.* «Ёшлик».

7 *кўчма кам қўлл.* Улоқтириб ташламоқ, тарк этмоқ, йиғиштирмоқ. *Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от!* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

8 *кўчма* Чиқармоқ, ёзмоқ, ёймоқ (асосан ўсимлик ҳақида). *Чечак отмоқ. Палак отмоқ. Куртак отмоқ.* ▬ *Ҳадемай карнайгуллар, жуда ҳафсала билан чиройли қилиб тортилган ипларга чирмашиб, катта-катта япроқлар отди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Зилол сувли шаршара ёнида икки баҳайбат чинор, Бобур замонидан гувоҳлик бериб, шох отиб турибди.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

Томир отмоқ *қ.* **томир. Тонг отмоқ** *қ.* **тонг**. *Бағрига кимгадир бахт, кимгадир қайғу юклаб, яна тонг отмоқда.* «Ёшлик».

9 Бирор қурол воситасида ўқ, тош, снаряд ва ш.к. узмоқ. *Сопқон отмоқ. Камалак отмоқ. Миномёт(дан) отмоқ. Отган ўқ қайтмас.* Мақол. *Ётиб қолгунча, отиб қол.* Мақол. ▬ *Танкларимиз душманнинг олдинги окопларидан ўтиб, танкка қарши отадиган батареяни тўпга тута бошлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

10 Отиш қуроли воситасида уриб шикастламоқ ёки ўлдирмоқ. *Ўрдак отмоқ. Қуён отмоқ.* ▬ *[Йўлчи] Тишини қисирлатиб деди: -Тўпнинг оғзига қўйиб, отиб юборинглар мени, қонхўрлар!* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзан қизиқсиниб, биз ҳам каптар отиб кўрмоқчи бўлардик.* Шукрулло, Сайланма.

11 Куч билан итариб, итқитиб чиқармоқ; учириб юбормоқ. *Шиша пробкасини отиб юборди. Вулқон юз тонналаб оловланган тоғ жинсларини ҳавога отди.* ▬ *Сув дам оқизиб кетади, дам четга отади.* С. Аҳмад, Уфқ.

12 *кўчма* Қўймоқ, ташламоқ. *Шиор отмоқ. Масалани ўртага отмоқ.* ▬ *Дастлаб бу гапни дадангиз ўзлари ўртага отдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап** (*ёки* **пичинг) отмоқ** Киноя, кесатиқ маъноли гап, сўз айтмоқ; пичинг қилмоқ. *У келин ойисини очиқ-ошкор суймас, кесатиб, пичинг отиб, унинг кўнглига озор берар эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

13 Учмоқ, сирғанмоқ. *Яхмалак отмоқ. Коньки отмоқ.* ▬ *Менинг ёшлигимда бирга ошиқ ўйнаб, яхмалак отиб ўсган бир оғайним бор.* Шукрулло, Сайланма.

Нафси ҳаккалак отади Мазахўракка ўрганиб, нафсини тиёлмайди. **Шаталоқ отмоқ** *қ.* **шаталоқ.** *Қизинг ҳозир қаёқни хоҳласа, ўша ёққа шаталоқ отиб, чопиб юрибди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОТНОН *эск.* От шаклида пиширилган ширин кулча. *Ҳолвафурушлар бақиришиб, кунжут ҳолва, мағиз ҳолва, пашмак, отнон сотмоқдалар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. -*Сенинг келишингни билганимда, хўрозқандми, отнонми олиб келарканман,* – *деди почча Ҳамидага.* С. Анорбоев, Меҳр.

ОТО- [*юн.* us, otos – қулоқ] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қулоққа, қулоқ касалликларига алоқадорликни билдиради (мас., *отит, оториноларингология*).

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГ Оториноларингология мутахассиси, қулоқ-бурун-томоқ касалликлари шифокори.

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ [ото.. + *юн.* rhis, rhinos – бурун + larynx, laryngos – бўғиз + logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг қулоқ, бурун, ҳалқум, бўғиз тузилиши ва вазифаларини ўрганувчи, уларни даволаш, шундай касалликларнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқувчи бўлими.

ОТОСКОП [ото.. + *юн.* skopeo – қарайман, кузатаман] Қулоқни тозалаш пайтида уни эшитиб кўриш учун ишлатиладиган, ҳар иккала учи йўғонлашган ингичка резина найчадан иборат тиббий асбоб.

ОТ-ОТАКАМ *бол.* Бири иккинчисининг этагидан ушлаб от қилиб ёки ёғоч от миниб чопишдан иборат болалар ўйини. *Қудрат билан Камол тол новдасини миниб, от-отакам ўйнашиб, кўча чангитиб юришган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чироқлар.

ОТОФОН [ото.. + *юн.* phone – товуш] *тиб.* Қулоғи кар одамларнинг эшитиш қобилиятини кучайтирадиган аппарат, эшитиш найчаси.

ОТПУСКА [*р.* отпуск < отпустить «кетишга рухсат бермоқ; бўшатмоқ, бўш қўймоқ» фл. дан. ясалган от] *айн.* **таътил.** *Бир ойлик отпуска. Ёзги отпуска. Декрет отпускаси. Отпуска даври. Отпуска пули. Отпуска олмоқ. Отпускага чиқмоқ.* ▬ *Яхши уришгани учун, эҳтимол, командирлари унга отпуска бергандир?* «Ёшлик».

ОТРЕЗ [*р.* отрез < отрезать «кесмоқ, кесиб олмоқ» фл. дан қўшимчасиз ҳосил қилинган от: маълум ўлчамда қирқиб олинган мато] *с.т.* Кийим тиктириш учун мўлжалланган бир бўлак мато, бир кийимлик газмол. *Бир костюмлик отрез.* ▬ *Бухоро зардўзлари тайёрлаган тилла кавушлар, бриллиант кўзли узуклар, отрезлар бўларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОТРЯД [*р.* отряд < отрядить «бирон топшириқ, вазифа билан юбормоқ» фл. дан қўшимчасиз ҳосил қилинган от: бирон топшириқ олган гуруҳ] **1** Жанговар ёки махсус вазифаларни бажариш учун тузиладиган вақтинчалик ёки доимий ҳарбий тузилма. *Денгизчилар отряди. Парашютчилар отряди. Отряд командири.* ▬ *-Йўқ, — деди командир, — ҳозир фурсат йўқ.. Ҳозирча буларни олиб, от чоптириб, тезроқ отрядга ет.* С. Айний, Қуллар. *Шу вақт унинг бахтига партизанлар отрядининг рациясидан хабар келиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор иш, фаолият, хизмат учун уюшган кишилар гуруҳи, жамоаси. *Қуёш қумтепалар орқасига ёнбошлаб, ғуборли уфқни алангалатганда, барги тўкилган қумранг саксовул буталари орасида геологлар отрядидан қолган эски шаҳарча кўринди.* А. Мухтор, Асарлар.

3 Умуман, жамиятнинг маълум белгилар билан бирлашган гуруҳи. *Илғор ёшлардан тузилган отряд чўлда янги иншоотлар қуриш учун отланди.* Газетадан.

4 *зоол.* Ҳайвонлар систематикасида: маълум белгилар билан бирлашган гуруҳ; туркум. *Кемирувчилар отряди.*

ОТТИРМОҚ Отмоқ фл. орт. н. *Тош оттирмоқ. Сопқон оттирмоқ.* ▬ *Бу хунук сўз Жўрахонни шатта оттириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тонг оттирмоқ Тонг отгунча ухламай чиқмоқ. *Ухлай олмай тонг оттирдим. Китоб ўқиб тонг оттирдим.* ▬ *Салимжон Обидий шу алфозда тонг оттириб, эрта билан янги шофёрга машинани тайёрлашни буюрди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОТТИСК [*р.* оттиск < оттиснуть «босиб из қолдирмоқ; босиб нусха олмоқ» фл. дан ясалган от] Журнал, тўплам ва ш.к. да босилган мақоладан олинган алоҳида нусха. *-Хўш? — деди Саидий, қулидаги оттискларни олаётиб.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳали материал тушир, ҳали макет қил, ҳали оттиск — кечга яқин бошим оғриб, аранг судралиб, кабинетдан чиқдим.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ОТУВЧИ 1 Отмоқ фл. сфдш.

2 Жанговар қуроллардан, мас., милтиқдан ўқ уза биладиган, яхши отадиган киши. *[Қўрқмас:] Ўртоқ командир, яхши отувчи бўлиш учун кишининг икки қўли бўлиши шартми?* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ОТ-УЛОВ Миниладиган иш ҳайвонлари (от, эшак, хачир ва ш.к.) *Бир куни денг шу икковлон, Қайгадир йўл олишди. Минай деса от-улов йўқ, Ўйланишиб қолишди.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОТХОНА Отлар сақланадиган бино; оғилхона. *Зиёдулла отхонадан қора йўрғасини етаклаб чиқди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Йўлчи уларга [отларга] беда ташлади, кейин курак ва супурги олиб, отхонани тозалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОТЧОПАР Отларни синаш, от чопиш ва отда машқ қилиш, умуман, от спорти мусобақаларини ўтказиш учун махсус жиҳозланган майдон; ипподром. *Тошкент отчопари.*

ОТҚИНДИ *геол.* Вулкандан отилиб чиққан моддаларнинг (лаванинг) совишидан ҳосил бўлган тоғ жинслари. *Вулкан отқиндилари. Отқинди тоғ жинслари.* ▬ *Туб конларнинг вужудга келиши табиатда кенг тарқалган магма ва унинг қотишидан ҳосил бўлган отқинди тоғ жинслари билан боғлиқдир.* «Фан ва турмуш».

ОТҚУЛОҚ Отнинг қулоғига ўхшаш катта-катта ва узун баргли кўп йиллик ёввойи ўт. *Қорабойни уйга опкелиб, айвонга ётқиздик. Ярасига баргизуб қўйиб, отқулоқ босдик.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ОФАРИН [*ф.* آفرين — яратувчи; мақтов, олқиш; балли, тасанно] **1** Мамнунликни, завқланганликни, қойил қолганликни ифодаловчи олқиш сўзи; таҳсин, тасанно. *Офарин айтмоқ (ўқимоқ).* ▬ *Ҳамма Қаҳрамон-*

га офаринлар айтиб, уни қутлашибди. «Эртаклар».

2 *унд. с. взф.* Балли, баракалла. *-Офарин, Мавлоннинг даъволари исбот бўлди, – деб юборди ҳамма.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Чаққон, эпчил ишлаётган аскарлар олдида тўхтаб: -Офарин баҳодирлар! – деб мақтаб ўтарди генерал.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ОФАТ [*а.* آفت – ранж, алам; жирканиш; бахтсизлик, бало; хавф] **1** Бошга кулфат солувчи ёки ҳалокатга олиб келувчи бахтсизлик; бало. *Халқ бошига кўп офатлар келтирган Андижон зилзиласи Қорабулоқни сувдан маҳрум қилиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Йўқ қилувчи; кушанда; илож, даво. *Тақсир, гуноҳнинг офати тавба-ку.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОФАТИЖОН [*а.* + *ф.* آفتجان – жонга озор берувчи; жафокор маъшуқа] Ўзига мафтун қилиб, дилдан урадиган ғоят гўзал аёл. *Шу ондаёқ бўлдим паришон, Шу ондаёқ ўртанди таним, Қайдан келдинг, эй офатижон?* Уйғун. *Қизларнинг ҳаммаси сутга чайилгандай оқ, офатижон! Атрофимизда гирдикапалак бўлишади.* «Ёшлик».

ОФАТЛИ Офат билан ўтган, офат бошлаб келган ёки келадиган. *Офатли йўл.*

ОФЕРТА [*лот.* offertus – таклиф этилган] Товар етказиб бериш, бирор-бир хизмат кўрсатиш учун шартнома хабарномаси. *Халқаро савдода офертанинг қатъий ва эркин турлари бор.* «ЎзМЭ».

ОФИЦЕР [*нем.* Offizier < *лот.* officiarius – мансабдор шахс < officium – иш, хизмат] Қуролли кучлар, полиция ва жандармериянинг командирлар таркибидаги ҳарбий хизматчи. *Артиллерия офицери. Алоқа офицери. Денгиз флоти офицери.* ▬ *Полковник солдат ва офицерларнинг жанговар тайёргарлиги қандай бораётганлигини текширди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ОФИЦИАНТ [*лот.* officians, officiantis – хизматчи, хизмат қилувчи] Ресторан, кафе ва ш.к. да хўрандаларга хизмат қилувчи, улардан буюртма олиб, овқат келтириб берувчи ходим. *Официант бир шиша коньяк, бир шиша қизил вино олиб келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Официант овқат келтириб қўйди. Қамариддин қадаҳни яна тўлдирдида, ичиб юборди.* «Ёшлик».

ОФИЦИАНТКА Аёл официант. *Официантка қанот пайдо қилгандек, енгил одим билан янги буюртмани адо этгани кетди.* Ф, Мусажонов, Ҳиммат.

ОФИЯТ [*а.* عافيّت – соғлиқ; яхши кайфият; хотиржамлик] *эск. кт.* Соғлиқ; соғ-саломатлик. *Тангридан тўғри эътиқод ва офият сўранглар (ҳадис).* «Фан ва турмуш».

ОФОҚ [*а.* آفاق – «уфқ» (أفق) с. кўпл.: уфқлар, дунё мамлакатлари, осмонлар] *эск. кт.* Дунёнинг ҳар томони; дунё, жаҳон. *Яна ҳимматлиғ элга кам бўлур офоқ аро душман, Валекин ул бўлур эрмиш ҳамиша душмани ҳисса.* Аваз Ўтар, Девон.

Ягонаи офоқ Дунёда ягона, тенги йўқ. **Забардасти офоқ** Дунёда энг зўр.

ОФСЕТ [*инг.* ofset (printing)]: **офсет босма** Текис босма усули; бунда бўёқ босма қолипдан оралиқ резина цилиндрга, ундан қоғозга ўтади. *Офсет босма корхонасида ранг бериш, фотоҳарф териш автоматлари, офсет ротациялари, автоматик линиялар бўлади.* «ЎзМЭ».

ОФТАЛЬМОЛОГИЯ [*юн.* ophthalmos – кўз + logos – фан, билим] Тиббиётнинг кўзнинг нормал ҳолати ва касалликларини ўрганадиган бўлими. *Офтальмология фани ютуқларининг амалиётда жорий этилиши туфайли Ўзбекистонда ўткир эпидемик коньюктивит эпидемияси, трахома (шилпиқ) бутунлай тугатилди.* «ЎзМЭ».

ОФТОБ [*ф.* آفتاب – қуёш; қуёш нури] **1** Қуёш, кун. *Одамнинг юзи офтобдан иссиқ.* Мақол. ▬ *Офтоб чиқди оламга, Югуриб бордим холамга.* «Фольклор». *Палатага кирдик. Шу пайт офтоб яна булут остига кирди-ю, палатани шом қоронғилиги босди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

Офтоби оламтоб *қ.* **оламтоб.**

2 Қуёш тарқатаётган нур; қуёш ҳарорати. *Танаси икки катта қулочга сиғмайдиган бир туп сада теваракка тангадай офтоб туширмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Устидаги гимнастёркаси ёмғирда ювилиб, офтобда ўнгиб, оқариб кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аям мени бундақа офтобда жизғинак бўлиш учун туққан эмас.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Офтоб урмоқ Офтоб ҳароратидан касал бўлмоқ.

3 Қуёш нури тушиб турган, қуёш иситиб турган жой. *Офтобда исинмоқ. Текинга му-*

шук ҳам офтобга чиқмайди. Мақол. ▬ *Умрида қармоқ ушламаган чоллар офтобда ўтириб, тўр ямашга тушишди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Кўм-кўк барглар орасида тизилиб, ғуч-ғуч бўлиб, офтобда садафдек ярқираб турган тутни кўриб, жувоннинг ҳам оғзи сув очди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *кўчма* Ёритувчи, янгилик киритувчи, ўзгартирувчи. *Сизга ўхшаган аёлларимизнинг ҳар бири қора кун ичида ётган минглаб хотин-қизларимизнинг рўзғорига офтоб бўлиб кириб боришяпти.* С. Зуннунова, Олов.

(Орқасига) офтоб тегди Ёруғликка, рўшноликка чиқди; иши юришиб кетди. *Мана энди мирзам оталиқ қилиб, ўрдадан бирор иш топиб берсалар, тақсиримга ҳам офтоб тегса ажаб эмас.* А. Қодирий. Меҳробдан чаён.

ОФТОБА [*ф.* آفتابه – кўза, обдаста] *шв.* Обдаста. *Момо айвонга етгач, офтобани ерга қўйди.* «Ёшлик». *Комил айвон олдида турган мис офтоба билан мис дашшани олиб, Саид афандининг қўлига сув қуйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мустафо супа четида турган офтобадан қўлини чайди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ОФТОБАЧИ *тар.* Хонлар саройида хон, амир ва унинг меҳмонлари қўл юваётганда, уларга офтоба тутувчи лавозимли шахс. *Абдураҳмон офтобачи ва бир неча маҳаллий аъёнлар бирин-кетин шоҳсупадан жой олдилар.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ОФТОБИ [*ф.* آفتابی – офтобга алоқадор, офтобли; офтобда қуритилган] *шв.* Офтобда қуритилган мевалар, мас., майиз, туршак, қоқи.

ОФТОБЛИ Офтоб чиқиб турган, қуёшли. *Офтобли кун.* ▬ *Баъзан офтобли кунлари Фразу Аннанинг ёрдами билан менинг ёнимдаги дераза рафига келиб ўтиради, ҳовлига қарайди.* А. Мухтор, Асарлар.

ОФТОБПАРАСТ [*ф.* آفتابپرست – офтобни севувчи; қуёшга сиғинувчи] **1** Қуёшга топинувчи, қуёшга сажда қилувчи.

2 *шв.* Кунгабоқар.

ОФТОБПАРАСТЛИК Қуёшга топиниш, қуёшга сажда қилиш.

ОФТОБРЎЙ [*ф.* آفتابرو – қуёшга ўхшаш юзли] *айн.* **офтобрўя.**

ОФТОБРЎЯ [*ф.* آفتابرو – қуёшга ўхшаш юзли; юзи қуёшга қараган] **1** Қуёшга қараган, қуёш нури кўп тушадиган; кунгай. *Офтобрўя уй.* ▬ *Озод сўрига яқинлашганда, хотини ишком тагидаги ўсмадан юлиб, офтобрўя ерга ташламоқда эди.* С. Маҳкамов, Бир жуфт дон.

2 *айн.* **офтобчувоқ.** *Чивинлар офтобрўяда ўтирган одамларни ғинғиллаб нотинч этишарди.* С. Айний, Қуллар.

ОФТОБТИҒА [офтоб.. + *ф.* تيغه – пичоқ, ханжар дами; тоғ чўққиси, қоя] Кунгай; офтоб нури тикка тушиб турадиган ер. *Биз илонларни кўздан кечириб пайқадикки, тажриба ўтказиш учун айнан шу ер бекорга танланмаган – кунгай, офтобтиға.* «Ёшлик». *Қишнинг охирлари эди: ҳали баҳор бошланган бўлмаса ҳам, устма-уст келаётган офтобли кунлар офтобтиғалардаги қорларни эритган.* С. Айний, Қуллар.

ОФТОБЧУВОҚ Баҳорги, таъсир кучи кам, ёқимли офтоб.

ОФТОБШУВОҚ *айн.* **офтобчувоқ.** *Боланинг кўзи Тўхта холанинг дарвозаси олдида бошини оёқлари орасига буркаб, офтобшувоқда ётган ола мушукка тушди-ю, таққа тўхтади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ОХИР I [*а.* آخر – кейинги, сўнгги; сўнг, ниҳоя] **1** Чўзиқ нарсанинг сўнгги чегараси, энг кетинги қисми, поёни. *Йўлнинг охири кўринмайди.* ▬ *Нусратбекнинг уйи шу кимсасиз, сокин кўчалардан бирининг охирида – пахтазор чегарасида жойлашган экан.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Давомли нарсаларнинг сўнгги қисми, хотимаси. *Достоннинг охири, Спектаклнинг охири.* ▬ *[Уста Олим] Хатнинг охирида: «Сиздан бир кун сўнг Ҳомид ўлди..» деб ёзар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг сўнгги, охирги дами, ниҳояти. *Йилнинг охири. Қишнинг охири. Охир бўлмоқ.* ▬ *Шунга қарамасдан, бу мактаб йил охирига бориб, ўзлаштириш 160, давомат 200 фоиз бўлди, деб ахборот берибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Охир замонда *қ.* **охирзамон.** *-Охир замона, деб шуни айтадилар-да. Қизларда шарму ҳаё йўқ. Фалончи очилибди, писмадончи паранжисини ташлабди, деган гаплар кўпайиб кетяпти, – деди Тўтибу.* С. Зуннунова, Гулхан. **Охир пешин** *қ.* **пешин 1.** *-Вақт охир пешин бўлиб қолган эди. Қорним очган.. – деди Шум бола.* F. Ғулом, Шум бола.

4 Оқибат, натижа; пировард. *Ёмон ишнинг охири вой.* ▬ *-Ҳай, ишқилиб, охири бахайр бўлсин, — деди Махсум.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОХИР II [*ф.* آخور — отхона; оғил, охур] *с.т.* Охур.

ОХИРАТ [*а.* آخرت — сўнг, ниҳоя, тамом бўлиш; нариги, у дунё; охирги кун] *дин.* Одам ўлгандан кейин борадиган дунё, олам; дунёнинг тугаш куни, қиёмат. *[Азизбой:] Бу фоний дунёда оч ўлди нима-ю, тўқ ўлди нима? Охирати бахайр, имони басаломат бўлсин.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *-Бу дунё беш кунлик, ёлғон дунё. Охиратни эсдан чиқарманг, ҳа! — деди домла.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Наҳот охиратга юз бурса жаҳон, Наҳот кароматлар ҳақ чиқса, наҳот.* А. Орипов, Йиллар армони.

Охират оши Ҳаётнинг сўнгги дамида ейилган овқат. **Охиратда** 1) нариги дунёда; қиёматда. *Йигирма сўм қарз эди, охиратда ҳам жавобини беради.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) сира, ҳеч вақт. *У охиратда ҳам тузалмайди.* **Охиратини куйдирмоқ** Имон-эътиқодидан айирмоқ, айрилмоқ; хонавайрон қилмоқ. *Маълум бўлишича, ер ютгур Асқад онасининг охиратини куйдириб, укаларининг ризқини қийиб, етмиш сўмнинг ҳаммасини ўғирлаб, шаҳарга кетиб қолибди.* «Ёшлик».

ОХИРГИ Нарса ёки ҳодисалар қаторининг энг сўнгидаги; сўнгги, энг кейинги. *Охирги курс. Охирги сўз. Романнинг охирги боби.* ▬ *-Чекинмаймиз. Охирги томчи қонимиз қолгунча курашамиз! — деди Чернецов.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Пайғамов дафтарни чамалаб кўриб, охирги саҳифасига қаради.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОХИРЗАМОН [*а.* آخرزمان] *дин.* Дунёнинг, ҳаёт ва борлиқнинг сўнгги дамлари, қиёматга яқин қолган замон. *Бизнинг замонамиз «охирзамон» бўлгани учун ҳеч бир киши вали бўлмас ва шунинг учун шоир ҳам бўлмас экан.* С. Айний, Эсдаликлар.

ОХИРИ *рвш.* **1** Охир-пировардида, ахир. *«Сабр туби — олтин» мақолига амал қилиб, арқонни узун ташлаб қўйган эдик. Охири сабр косамиз тўлиб-тошиб кетди.* «Муштум».

2 Бориб-бориб, ниҳоят. *Тақдир шамоли уни [Зағчакўзни] турли бурчакка учирди ва охири, мана шу Қамишкапага келтириб ташлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОХИРИДА *рвш.* Охири, ахири, пировардида. *Зайнабнинг ўн беш дақиқали муомаласида Отабек юқоридаги каби «эсдан чиқариш» ҳолатига бир неча қайта учради ва охирда сўрамоққа мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОХИРЛАМОҚ Охирига, поёнига етмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ. *Қиш охирламоқда. Қурилиш охирлаб қолди.* ▬ *Сал ўтиб, ёзувларим охирлайди ва мен кекса танимга озгина ҳордиқ бераман. Сўнг Тошкентга жўнайман.* М. М. Дўст, Лолазор. *Пахта йиғим-терими охирлаб турганда, Ойқиз Бойчиборга миниб, райондан қайтарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ОХИР-ОҚИБАТ *рвш.* Натижада, охир-пировардида; ниҳоят. *Нусратбек қишлоқни қўмсай-қўмсай, бир талай дард орттирди, охир-оқибат янги шароитга мослашиб олди, жонининг ҳаловатини билди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОХИРУЛАМР [*а.* آخرالامر — охири, пировардида, оқибатда] *эск. кт.* Охири, охир-пировардида, ниҳоят. *Охируламр, бу кун бир чор деворга кириб, ўлиб ётган эшакни кўриб, гўштидан бир миқдор кесиб, уйга келтирди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

ОХРА [*юн.* ochros — рангсиз, рангпар, оқиш; сарғиш] Сариқ ёки сарғиш-қизил тусдаги табиий минерал бўёқ.

ОХУН(Д) [*ф.* آخوند — руҳонийлар пешвоси, мулло; устоз] **1** Ўқимишли, илмли киши; мулла, домла. *Момонинг мурсаги охун йигитнинг қўлида кетди.* «Ёшлик».

2 Ўқимишли, илмли кишилар исмига қўшиб айтиладиган сўз. *Юсуфбек ҳожи билан қутидор Солиҳбек охуннинг Кўкалдош ҳужрасига меҳмон бўлиб кетганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Хитой мусулмонлари орасида мударрисларга, имомларга нисбатан кенг тарқалган ном.

4 *с.т.* Халқ ичида уйғурларга, қашқарликларга қўйилган лақаб.

ОХУР [*ф.* آخور — отхона; оғил, охур] Чорва моллари (қўй, эчки, сигир, от) га ем-хашак солиб бериладиган мослама (идиш). *От охури. Мол охури.* ▬ *Тоштемир қудуқдан бир неча марта сув чиқариб, отларни суғорди, охурларга беда солди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Ғуломжон отхонага кириб, тўкилган бедаларни охурга териб солди, қоронғида ҳам кўзлари чақнаб турган саман-*

ни пешонасидан силаб, суйиб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Баланд (*ёки* **катта**) **охурдан ем еган** (*ёки* **сув ичган**) Катталар, боёнлар билан яқин алоқада бўлиб кеккайган ёки ўзи катта боён бўлиб ўтган. *[Ўрмонжон:] Сен катта охурдан ем еб ўргангансан, чидолмайсан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Саид ака, Яхшибоевга суйкалманг, сизга панд беради, катта охурдан ем еб ўрганган одам, ажабмаски, қулай келган онда сизни оёғига патак қилиб кетса.* М. М. Дўст, Лолазор. *У чет элларда дипломатлар билан гаплашган, катта охурдан сув ичган.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОХУРЧЎП [*ф.* آخورچوب] Пойабзалнинг дастаги маҳкам, тик туриши учун унинг ичига (авра-астар орасига) қўйиб тикиладиган юпқа, эгилувчан тахтача, картон ёки қаттиқ чарм. *Мусулмон усталар кавушнинг дастагига охурчўп қўйиб тикадилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ОЧ I **1** Қорнида, меъдасида овқат қолмаган, очиқиб, овқат тусаб қолган, очиққан. *Оч одам. Оч ит. Оч қолмоқ. Оч қолдирмоқ. Оч қўймоқ. Оч қоринга аччиқ саримсоқ.* Мақол. *Оч қорним — тинч қулоғим.* Мақол. *Ҳунарли киши оч қолмас.* Мақол. ▬ *Оч, дилдираб қолган Умид иссиққина танчада ўтириб, танига қайта жон кирди.* Мирмуҳсин, Умид. *Сувонжон қўрага ҳужум қилган бир оч бўрини отиб олибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *[Йўлчи] Бир сўмга ўзи нон-чой олиб ичди-да, оч қорнини бир қадар овутди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўқлар кулади, очлар йиғлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оч биқин *қ.* **биқин.**

2 Очлик ҳолати. *Ҳамма халқ очдан ўлмаслик учун бир амал-тақал қилиб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ингичка, кичик (тешикка нисбатан кичиклик-ингичкалик қилган соп, вал ва ш. к. ҳақида).

Соп оч келди Соп ингичкалик қилди.

ОЧ II Кучсиз, нимхуш (ранг-тус ҳақида). *Оч кўк. Оч сариқ. Оч қизил.* ▬ *Ариқ бўйларида ўсган кўм-кўк майсалар қуёшнинг тиниқ нурида оч яшил рангда товланар, киши кўнглига ором, ҳузур бағишларди.* С. Зуннунова, Олов.

ОЧАМБИТИ *айн.* **жағжағ.**

ОЧАР Мевадан, кўпинча беҳидан пиширилган мураббо. *Икки қозонда тўғралган беҳидан очар пиширилди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ОЧАРВОҲ 1 Баъзи халқларнинг эътиқодига кўра, гўрдан чиқиб, одамларнинг қонини сўрувчи арвоҳ.

2 *кўчма* Қонхўр, золим. *Бундай одамларни фанда очарвоҳ, яъни вампир дейишади.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

ОЧАРЧИЛИК Иқтисодий таназзул ва танглик ёки табиий офат, турли сабаблар туфайли жамият миқёсида юзага келадиган кескин озиқ-овқат танқислиги; қаҳатчилик. *Очарчилик йиллари сомсапазларнинг сомсасини очлар олиб қочарди-да, тутиб олиб дўппосласа ҳам, бошини кийимига буркаб, сомсасини оғзидан қўймасди.* Шукрулло, Сайланма.

ОЧАТҚИ Очликдан озиб-тўзган; озғин. *Очатқи қўй.* ▬ *Оҳистахон тилингандан тиланган ёмон, дедию ичида, саратонда соясини одамдан азиз тутадиган нокас йигитга гинахонлик қилганидан ўкиниб кетди. Ўғлининг цехига кирди. Бошлаб ҳар кўрганда «менга ҳам ўзингизникига ўхшаган келин топиб берасиз», деб юрган очатқигина, ўзи хунук, истараси иссиқ йигит чопиб келди.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

ОЧАҒА Бировга тегишли, қарашли одам. *Мана бу ерда гап бор. Агарда биронта нозик иш чиқиб қолса ва ҳам ҳоким тўра билан хилватда гаплашмакни тақозо қилинса, ҳамма гапни Зуннунбой орқали нойиб тўранинг очағаларига айтилсин.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ОЧЕРЕДЬ [*р.* очередь < чередовать «навбатлашмоқ, алмашланмоқ» фл. дан] **1** *ҳарб.* Автомат ёки пулемётдан бир йўла, бирин-кетин отилган ўқ; шу зайлда ўқ узиш. *Узоқда гоҳ-гоҳ автомат очереди тарақлаб қўяди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўн иккита патроннинг ўн биттасини уч қисқа очередда нишонга жойлади Элмурод.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *с. т.* Навбат. *Очередь олмоқ.*

ОЧЕРК [*р.* очерк < очеркать «таърифлаб, тасвирлаб бермоқ, баён қилмоқ; чизмоқ» фл. дан суффикссиз ҳосил бўлган от] Ҳаётий фактларнинг қисқача тасвиридан иборат кичикроқ бадиий асар. *Ҳарбий очерк. Биографик очерк. Библиографик очерк.* ▬ *Обидов газетадаги очеркни кўриши билан Аҳмедовнинг олдига чопди.* С. Зуннунова, Олов.

-Ука — деди шоир, — штабдан тайинлашди, сен тўғрингда бир ғалати очерк ёзмоқчиман. С. Аҳмад, Уфқ.

ОЧЕРКИСТ *айн.* **очеркчи.** *1942 йилгача баъзан «Қизил Ўзбекистон»да, баъзан «Муштум», «Ер юзи» журналларида адабий ходим, очеркист, фельетонист, секретарь бўлиб хизмат қилдим.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

ОЧЕРКЧИ Очерк ёзиш билан шуғулланувчи журналист ёки адиб. *-Э, бари бир эмасми, — деб қўл силтади Тўпори, — шоир билан очеркчининг фарқига бормасам ҳам, сиз билан Қурбонойнинг фарқига бораман..* М. М. Дўст, Лолазор.

ОЧИЛИБ-ЁЗИЛИБ *айн.* **очилиб-сочилиб.** *[Генерал] Расмиятчиликка йўл қўймай, очилиб-ёзилиб ўтиришни буюрди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ОЧИЛИБ-СОЧИЛИБ Очиқ чеҳра билан, хурсандлик билан, ўйнаб-кулиб. *Тўла кейинги вақтларда.. негадир очилиб-сочилиб юрмас эди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Жўравой Нафиса билан шунчаки гаплашиб турарди. Суннат билан Жалил ширакайф эдилар. Ана шу ширакайфликданми, бегона одамнинг ўз курсдошлари билан очилиб-сочилиб гаплашиб тургани ҳақоратдек оғир ботди.* «Ёшлик».

ОЧИЛМОҚ 1 Очмоқ 1-8 фл. мажҳ. н. *Эшик очилди. Сандиқ очилди. Йўл очилди. Янги мактаб очилди. Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилади.* Мақол. ▬ *Бир ҳафтага қолмай каналга сув очилади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Мана шу тоғларнинг икки тарафидаги адирлар, Макрит чўлидан очилган ерларнинг ҳаммаси меники, менга қарайди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Ҳайкалчанинг очилиш маросими бўлиб ўтганидан бехабар, парда тутишга ҳожат қолмаганини билишмайди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Яқинроғингизда ўлмоқ учун.. душман томонидан уйингизга очилган туйнукчага кирдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Ҳасанали] Узоқ ўйлагандан сўнг ишнинг очилмай қолган қисмини ечишни бошқа вақтга қолдирмоқчи бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Очмоқ 1, 2, 9-12 фл. ўзл. н. *Фикри очилди. Ранги очилди.* ▬ *Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намоён қил, Парчалаб кишанларни, ҳар томон пиришон қил.* Ҳамза. *Бу пахта экан-ку, ҳали шошмай туринглар, очилган хотинлар бошқатдан паранжига киради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Томлардаги.. лолалар қипқизил бўлиб очилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сўнгги қуёшли кунларда пахта яна қийғос очилди.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Бошланмоқ, иш бошламоқ. *Эртага шу муаммога бағишланган олимларнинг йиғилиши очилади.* С. Зуннунова, Кўк чироқ.

4 Кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Йўлчининг кўзига жаннатдай катта боғ манзараси очилди, томоша қилиб, кекса тоғанинг орқасидан юра берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар мана шу Музлоқ тоғнинг.. сиртига чиқилса, кишининг кўзи олдида бири-бирига зид икки дунё очилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Башараси очилмоқ Кирдикори, айби, аслида кимлиги фош бўлмоқ. *Тўғри, Раҳимжон Мўйдиновга туҳмат қилганларнинг авраастари ағдарилди, ҳақиқий башараси очилди.* «Муштум».

5 Хафалиги ёки қаҳр-ғазаби йўқолиб хушнуд бўлмоқ, ёзилмоқ. *-Гоҳо бирон киши [бувимнинг] кўнглини оғритганда, мен унга бир оғиз юмшоқ гап айтсам, ўша замони очилиб кетақоларди, — деди Кенжа.* Ҳ. Назир, Асарлар. *Элмурод унинг [Гулсумнинг] бу қадар очилиб кулганини биринчи кўриши эди. У бундан роҳат қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Баҳридили очилмоқ Кайфияти яхши бўлмоқ, чеҳраси ёришмоқ. *Шийпон орқасидаги ғўзаларни кўриб, Пайғомовнинг баҳридили очилиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Чеҳраси очилмоқ** *айн.* **баҳридили очилмоқ.**

6 Ҳуснига ҳусн қўшилиб, тобора чиройли бўлмоқ, гўзаллашмоқ. *Зуннуновнинг назарида Саодатхон янада очилиб кетганга ўхшайди.* И. Раҳим, Ихлос. *Қора кўйлак ичида бўғилиб ётган экансан. Қара, нақ шафтоли гулидек очилибсан, кел, пардоз қиламиз.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Баширжон узоқроқдан келинга тикилиб тураркан: «Жуда очилиб кетибди», деб ўйлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Бахтинг очилсин *қ.* **бахт 2. Жағи очилмоқ** Тўхтовсиз гапирмоқ; кўп, узоқ гапирмоқ. *Ошно бир муддат жимиб қолди, лекин лаҳза ўтиб, тағин жағи очилди.* М. М. Дўст, Лолазор. **Иштаҳаси очилмоқ** Иштиёқ билан овқат емоқ; *-Ана энди, чарчоқ ҳам унутилади, иштаҳа ҳам очилади. Унинг гапи тўғри*

чиқди. С. Аҳмад, Жимжитлик. **Кўзи очилмоқ** *қ.* **кўз.** *Таъзиримни еганим шу бўлдики, кўзим очилди, тушуниб олдим.* С. Зуннунова, Олов. **Оғзи очилмоқ** Ҳайрон бўлмоқ. *Бир ҳафтадан кейин қиз Жамолзоданинг устахонасига ташриф буюрди. У «Кўккўл тонги»ни кўриб, оғзи очилиб қолди. Ўшанда кўргани ҳозирги полотнонинг олдида оддий эрмак эди, холос.* «Ёшлик». **Ҳаво очилди** Ҳаво булутдан тозаланди. *Осмонни қоплаган чанг-тўзон аллақачон ғойиб бўлди, ҳаво чарақлаб очилиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ОЧИЛТИРМОҚ Очилмоқ 3-5 фл. орт. н. *Пахтани очилтириб термоқ. Кирни очилтириб ювмоқ.*

ОЧИН-ТЎҚИН *рвш.* Тўйиб овқат емасдан, чала-ярим овқат еб, гоҳ оч, гоҳ тўқ ҳолда. *Умиднинг кайфи пастлиги ва бунинг устига анчадан буён очин-тўқин юрганини эшитган Ҳотам, жилла бўлмаганда шу бугун, юрагида алам туғён ураётганда дардлашиб малҳам бўлай, дегандек атай келган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОЧИНҚИРАМОҚ Сал очиқмоқ, очлик сеза бошламоқ.

ОЧИРИЛМОҚ Очирмоқ фл. мажҳ. н. *Инкубаторда ўн минг жўжа очирилади. Қурт уруғи очирилади.*

ОЧИРМОҚ Очмоқ 12 фл. орт. н. *Жўжа очирмоқ. Қурт уруғини очирмоқ.*

Кўз очиргани қўймаслик 1) атрофга қараш, кўриш учун имкон бермаслик. *Августларга бориб, араваларнинг ғилдирагидан, отларнинг туёғидан кўтарилган чанг кўз очиргани қўймайди.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) тинчлик бермаслик; у-бу деб доим хафа қилмоқ, аччиғини келтирмоқ (*яна қ.* **кўз очирмаслик.** *қ.* **кўз**). *Уялинг! Илгарилари, бўқоғинг бор, деб кўз очиргани қўймас эдингиз-ку! Неча марта йиғлатгансиз?* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

ОЧИҚ 1 Ҳеч нарса билан бекитилмаган, тўсилмаган. *Икки томони очиқ шийпон. Тепаси очиқ йўлак.* ▬ *Искандар эса қизил дастурхонни яна хазина устига ёпди-да, токчадан соқол оладиган асбобларини олиб, очиқ шийпонга чиқди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Бекитилмаган, маҳкамланмаган, қулфланмаган. *Очиқ дарвоза. Очиқ дераза.*

3 Яланғоч. *Очиқ бадан.* ▬ *Полиция бошлиғи.. пишиқ ўрилган чарм қамчин билан Йўлчининг очиқ кўкрагини ва бўйнини узиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Очиқ эшик Ҳамма учун кириш мумкин бўлган жой.

4 *кесим взф.* Берк эмас, очилган ҳолда. *Дарвоза ланг очиқ.* ▬ *Эшик ва даричалар очиқ бўлса ҳам, уйда биров кўринмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кечаги боржом оғзи очиқ қолибди, гази чиққандан кейин бир пулга қиммат.* А. Қаҳҳор, Санъаткор.

5 Ёрилган, очилган. *Мана бу очиқ писталар ҳам ўзимизнинг тоғларники!* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

6 *кўчма* Равшан; аниқ; аён; кўриниб, билиниб турадиган. *Қишлоқ аҳолиси Мулла Ўсар деган очиқ фикрли ўрта деҳқонни комиссар қилиб сайлади.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *У ўзини жуда эркин тутар ва ҳар бир саволга очиқ, тўғри жавоб берар эди.* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Қоронғу бўлса ҳам, Ўзбек ойимнинг тусидаги шодлик белгилари очиқ кўриниб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Тўғри, ҳақиқий. *Очиқ гап.*

Очиқ гапирмоқ (*ёки* **айтмоқ, сўзламоқ**) Яширмасдан, ҳаммасини айтмоқ; тўғрисини айтмоқ. *Элмурод кўнглидагини очиқ айтиб қўя қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Очиғини айтганда, мен сиз билан сира учрашмоқчи эмас эдим.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

8 Ҳеч кимдан яширилмаган. *Очиқ муносабатлар. Очиқ қаршилик.* ▬ *Душманлигимни очиқ билдириб, қайтага ҳаётимни хавф остига қолдирдим чамамда.* «Шарқ юлдузи».

9 *кўчма* Ҳамма, хоҳлаган киши қатнашса бўлаверадиган. *Очиқ савдо. Очиқ суд. Очиқ чемпионат..* ▬ *Ўрмонжон.. активлар иштироки билан бўладиган очиқ партия мажлисининг вазифасини тушунтириб берибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шу ҳафта ичи очиқ дарс ўтказишни бошлаймиз.* С. Зуннунова, Олов.

10 Ранги тиниқ, шўхшанг. *Очиқ чит.*

11 Хушфеъл, юрагида кири йўқ; хушчақчақ. *Очиқ қиз.* ▬ *У [Али] ичи кирсиз, серкулги, очиққина бир йигит.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Очиқ кўнгил *ёки* **кўнгли очиқ** *қ.* **кўнгил. Очиқ чеҳра** *қ.* **чеҳра.**

12 *тар.* Паранжи ташлаган, озодликка чиққан (хотин-қизлар ҳақида). *Бир куни бешолтита очиқ хотин орасига тушиб қолиб, не вақтгача кўнглим ғаш, таъбим кир бўлиб*

юрдим. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Йиғилганларнинг кўпчилиги хотин-қизлар бўлиб, улар орасида очиқлар ҳам, паранжилилар ҳам бор эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Бети (*ёки* **юзи**) **очиқ** Уят-номусни билмайдиган, беҳаё, одобсиз. **Боши очиқ** 1) ҳали унаштирилмаган, никоҳ қилинмаган. *Энди у [Мунаввар] боши очиқ қиз бола эмас. Оилали.* С. Анорбоев, Меҳр; 2) ҳеч ким ҳали савдо қилиб олмаган, сотилмаган. *Боши очиқ мол.* **Кўзи очиқ** Ўлмаган, ҳаёт, тирик. *Лутфинисанинг кўзи ҳали очиқ, танаси совимаганди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Масалани очиқ қолдирмоқ** Масалани ҳал қилишни кейинга қолдирмоқ. **Орани очиқ қилмоқ** *қ.* **ора. Очиқ акциядорлик жамияти** *иқт.* Иштирокчилари ўзларига қарашли акциялардан эркин фойдаланиши мумкин бўлган жамият. **Очиқ бозор** Товарнинг бошқа ердан эркин келтирилиб ва чегараланмаган миқдорда олди-сотди қилиниши. **Очиқ бўғин** *тлш.* Унли товуш билан тугаган бўғин. **Очиқ денгиз** Барча давлатлар эркин фойдаланадиган денгиз саҳни. **Очиқ хат** Ҳамма ўқиши учун одатда матбуотда эълон қилинадиган расмий хат. **Очиқ ҳаво** 1) булутсиз, беғубор осмон. *Совуқ бир оз юмшаб тушган, қуёш очиқ ҳавода ҳаракат этмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) усти ёпилмаган жой, ташқари, дала. *Мана чинакам болалик: ..мактаб саҳнида очиқ ҳавода физкультура машқлари қилиш, шашка-шахмат ўйнаш, қўшиқлар айтиш.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Чакаги очиқ** *айн.* **жағи очиқ** *қ.* **жағ. Қўли очиқ** *қ.* **қўл.**

ОЧИҚАРЛИ *с. т.* Киши оч қоладиган, еярли бирор нарса топилиши мушкул. *Давлат тўғрисида бўлса, очиқарли ерда эмасмиз.* А. Қодирий Ўтган кунлар.

ОЧИҚГЎЙ *кам қўлл.* Очиғини айтадиган, юрагидагини ҳеч яширмайдиган; тўғрисўз.

ОЧИҚДАН-ОЧИҚ *рвш.* **1** Аниқ-равшан, шак-шубҳасиз. *Бу очиқдан-очиқ туҳмат.* ▬ *Дарҳақиқат, унинг [Зайнабнинг] бу иши очиқдан-очиқ болаларча кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ошкора, намойишкорона; рўйирост. *Очиқдан-очиқ қаршилик қилмоқ.* ▬ *Очиқдан-очиқ Акбаровга қаратилган бу истеҳзо Зуфар Ҳакимовични алланечук яйратиб юборди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Тап тортмасдан, ибо қилмасдан, уялмай-нетмай. *Очиқдан-очиқ сўкинмоқ.*

ОЧИҚ-ЁРУҒ *айн.* **очиқ-ойдин.** *Ҳа-а, энди ўзингга келдинг, очиқ-ёруғ гапиравер. Искандар, мавриди келганини сезиб, сўради: -Қўнғироқ қилдими?.* М. Мансуров, Ёмби.

ОЧИҚЛИК 1 Очиқ эканлик; равшанлик; ошкоралик. *Ҳавонинг очиқлиги.* ▬ *Одамзоднинг фитнаси ёмон бўлади. Кўнгли очиқликка не етсин.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Очиқ, эркин жой; эркинлик. *Зиндондаги ширин-шарбатдан очиқликдаги ситам, ғурбат яхшироқмасми?* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 Оралиқдаги жой, оралиқ. *Товуш пайчалари ўртасидаги очиқлик.*

Кўзим очиқлигида Тириклигимда, ҳаётлигимда.

ОЧИҚМОҚ Оч қолмоқ, қорни очиб, овқат тусаб қолмоқ. *Йўлдан очиқиб келган кишининг димоғига қилинаётган овқатнинг ҳиди кирганда, тезроқ пиша қолса эди, деб безовта бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шавкат кечқурун туз тотмагани учун қаттиқ очиққанди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ОЧИҚ-ОЙДИН 1 Аниқ-равшан, шубҳасиз. *Очиқ-ойдин масала. Очиқ-ойдин жавоб.* ▬ *У [Нури] келин бўлиб боргуси оиланинг бойлигини ўйламаган, чунки бу нарса у учун очиқ-ойдин эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Очиқ, рўйирост. *Йўлдош боланинг эсипастлигига ишонмаса-да, буни Хайрига очиқ-ойдин айтолмади.* «Ёшлик». *Манави сабил аризада очиқ-ойдин ёзиб қўйилган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ОЧИҚ-ОШКОР *рвш.* Яширмасдан, рўйирост, ошкора. *У онасига ёзган хатида аҳволни очиқ-ошкор айтди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЧИҚ-СОЧИҚ *айн.* **очиқ-чочиқ.** *Уйим шундоқ очиқ-сочиқ қолган эди-да.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОЧИҚТИРМОҚ Оч қолдирмоқ. *Ернинг кўпи очиқтиради, молнинг – ози.* «Қанотли сўзлар».

ОЧИҚЧА *айн.* **очиқчасига**. *У [Гулнор] билан очиқча сўзлашув керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЧИҚЧАСИГА *рвш.* **1** Яширмасдан, тўппа-тўғри, очиқ, рўйрост. *Очиқчасига тан-*

қид қилмоқ. ▬ *Мирвали Эралининг сўнгги сўзидан кейин айтар гапини йўқотди, «энди очиқчасига гаплашиш пайти келди», деб ўйлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Шундай экан, кел, очиқчасига гаплашайлик.* Т. Ашуров, Оқ от.

2 Тап тортмасдан, уялмасдан; ҳаёсизлик билан. *-Рост, қизлар, — деди Қумри очиқчасига ўтиб, — вофуруш Қилтириқ махсумни ўша вақтдаёқ ахта қилдирган, дейишади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОЧИҚ-ЧОЧИҚ Йиғиштирилмаган, бесаранжом. *Ҳамма нарса очиқ-чочиқ эди.* ▬ *-Кори хайри бор одам ҳам уйни шунақа очиқ-чочиқ ташлаб кетадими?! — деди Каромат.* И. Раҳимов, Чин ҳаёт.

ОЧИҚҚЎЛЛИК Сахийлик, қўли очиқлик. *Очиққўллик доим яхшилик келтиради.* «Қанотли сўзлар».

ОЧИҒИ 1 Гапнинг тўғриси, тўғри гап, очиқ гап. *Очиғини айтганда.* ▬ *Гапнинг очиғини айтсам, бу ишда менинг ҳам, Тешавойнинг ҳам айбимиз бор.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *крш с.* Тўғриси, очиғини айтганда, гапнинг пўскалласи. *Очиғи, ўзи туғилиб ўсган, ўрганган уйидан кетиш Қудратга осон эмасди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Таомилга қарши борган.. ўзгалар урфини ўткинчи ҳою ҳаваслар билан қабул қилаётган тенгдошларимизга, очиғи, ачинамиз.* Газетадан.

ОЧИҒИЧА *рвш.* **1** Очиқ, ёпилмаган ҳолда; очиқлигича. *Эшик очиғича қолди. Қозон очиғича турган экан.*

2 Ҳал қилинмасдан, ечилмаганича. *Иккинчи масала очиғича қолдирилди.*

ОЧКО [*р.*] 1 Ўйинда, спорт мусобақаларида ютуқни белгилаш учун бериладиган ҳисоб бирлиги. *Ўшанда фақат бир киши — ёш шашкачи Шариф Ёқубов у билан очкони бўлишиб олди.* Газетадан. *Раҳим хиёл ўйланиб қолди. Энди у, икки метрга сакраб, етти очко олишни эмас, балки биратўла олти катакка сакраб, ўн бир очко эгаллашни чамаламоқда эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *с. т.* Қарта ўйинининг бир тури; йигирма бир. *Очко ўйнамоқ.*

ОЧКЎЗ 1 Еб тўймайдиган, нафсини тиёлмайдиган, нафси бузуқ, суқ. *Очкўз бўри. Очкўз ит. Очкўзда бўлса ҳам — йўқ, Сахийда бўлмаса ҳам — тўқ.* Мақол.

2 Бирор нарсага ўч, ҳар нарсага ортиқча ҳирс қўйган. *Соҳиб қори молпараст, очкўз одам.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОЧКЎЗЛИК Очкўзга хос хусусият; хатти-ҳаракат. *Очкўзлик қилмоқ.* ▬ *Аброр магазинга кирган харидорларни очкўзлик билан шилиш пайида бўларди..* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ОЧЛИК 1 Оч қолишлик, оч эканлик, оч ҳолат. *Очликдан сулаймоқ. Бир очликнинг бир тўқлиги бор.* Мақол. ▬ *Зиркнинг яшил барглари ҳузурбахш таъмга эга бўлиб, кишини чанқаш ва очликдан сақлайди.* «Фан ва турмуш».

Очлик эълон қилмоқ Сиёсий, иқтисодий ижтимоий норозилик белгиси сифатида овқат ейишдан бош тортмоқ. *Борди-ю, очлик эълон қилиб, берганларини емай, биратўла нариги дунёга равона бўлиб қолсам-чи.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 *айн.* **очарчилик.** *Революциядан кейинги илк йиллар. Вайрона қилинган мамлакатда очарчилик ҳукм сурарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ОЧМОҚ 1 Йўлни тўсиб турган нарсани бир томонга суриб, кўтариб қўйиб, кириш ёки чиқишга имкон туғдирмоқ. *Дарвозани очмоқ. Деразани очмоқ. Эшикни очмоқ.* ▬ *Ўғилларга тайинлаб қўйган эдим, бориб дарвозани ланг очишди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Олиш-қўйиш йўлини, оғзини бекитиб турган тиқин, қопқоқ, қулф ва ш. к. ни кўтариб, суриб қўймоқ, ипини бўшатмоқ, ечмоқ ёки олиб ташламоқ. *Чемоданни очмоқ. Шишанинг оғзини очмоқ. Қопни очмоқ.* ▬ *У [Аҳмаджон] эшик ёнига чўнқайиб ўтирдида, милтиғининг затворини бир неча марта очиб ёпди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қори тугунчани очиб, ўрикдан иккитасини Сидиқжонга узатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Ўралган, қопланган, паналанган ёки кўмилган нарсаларни бекитиб, ўраб, қоплаб турган нарсадан холи қилмоқ, яланғочламоқ. *Ток очмоқ. Кўкракни очмоқ.* ▬ *[Гуландом] Атлас кўйлакнинг кенг енгини тирсакка қадар шимариб.. гўзал билакларини очиб, дуторни чертди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамма кулиб юборди, Кўрпани бир оз очиб қараган Гулшан ҳам.. ичи қотиб кулди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Табиб кетди, Отабек телбаларча югуриб, Кумуш-*

нинг бошига келди, юзини очиб, манглайини босди ва ўпди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Кўтармоқ, сурмоқ ёки олиб ташламоқ (парда, ниқоб ва ш.к. ни). *Пардани очмоқ.*

5 Тўсиқни, ғовни олиб ташламоқ, тақиқни бекор қилиб, ўтиш, юриш учун имкон бермоқ. *Йўлни очмоқ. Чегарани очмоқ.* ▬ *Мирвали, Жайрона қочиб кетгандан кейин, йўлни портлатиб, бошқа томондан йўл очган эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

6 Бирор нарсанинг ҳаракатига йўл бермоқ, йўл қўймоқ, қўйиб юбормоқ, бўшатмоқ. *Газни очмоқ. Жўмракни очмоқ.* ▬ *Яна кечагидек сувни очиб, ўзи уриб кетди, деб ўлтирадиган бўлсанг, сен мендан яхшилик кутма!* Н. Сафаров, Уйғониш.

7 Ёзмоқ, ёймоқ, кермоқ (тахланган, букланган, йиғилган, юмилган нарсалар ҳақида). *Зонтикни очмоқ. Кафтини (қўлини) очмоқ. Қанотини очмоқ. Ёмондан қоч, яхшига қулоч оч.* Мақол. ▬ *Кумуш айвон томонга қайтар экан, ошиқиб хатни очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Режиссёр яна дафтарини очиб, бир нималарни ёзиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Картина.

8 Қуриб, солиб, битириб, ишга туширмоқ; расмий равишда ишга туширмоқ. *Мактаб очмоқ. Санаторий очмоқ. Янги йўл очмоқ. Кўргазмани очмоқ.* ▬ *[Ҳасанали] ..гузардан баққоллик дўкони очган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мени ғафлат уйқуси босмаган бўлса, нега бир газлик пахсани кесар эмишлар-да ва бошимдан туйнук очар эмишлар-да, мен ҳеч нарса сезмас эмишман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Янги бир нарса яратмоқ; кашф этмоқ, топмоқ. *Янги юлдуз очмоқ. Кон очмоқ.* ▬ *Ахир сиз билан биз катта иш қиляпмиз, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида бутун бир давр очяпмиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

10 Кўпчилик иштирокида бирор ишни бошлаб бермоқ, бошлаб юбормоқ; очиқ деб эълон қилмоқ. *Мунозара очмоқ. Митингни очмоқ.* ▬ *Ўзбек ойим қора кийиб, таъзия очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мажлисни Иброҳимов очди ва кун тартибини эълон қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бувиси аза очиб, ҳовлида хотинларнинг чуввос йиғлагани ҳамон қулоғида.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

11 Нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг қандайдир томонларини ёритиб баён, ошкор қилмоқ, аниқламоқ. *Масаланинг моҳиятини очмоқ. Асар қаҳрамонларининг характерини очмоқ. Ҳақиқатни очмоқ. Гапнинг тагини гап очар.* Мақол.

12 Очиқ изҳор қилмоқ, маълум қилмоқ, айтмоқ. *Йўлчи аксар вақт, ишдан қутулгач, у [Қоратой] билан вақт кечирар, қайғусини, севинчини унга очар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар улар [Тешабойлар] бу мақсадларини очиб айтмаётган бўлсалар, балки бунда бир сирлари бордир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Гап очмоқ Гап бошламоқ; бирор воқеа, ҳодиса, нарса ёки киши ҳақида гап бошламоқ. **Юрагини** (*ёки* **дардини**) **очмоқ** Юракдаги қайғу-ҳасратини, орзу-умидларини, тилак-истагини билдирмоқ. *Кимга суянсам, дардимни очсам, у ҳам менга ўхшаган чиқади.* С. Аҳмад, Уфқ.

13 Фош қилмоқ, ҳаммага маълум қилмоқ. *Жиноятни очмоқ. Камчиликларни очмоқ. Сир(нинг) учини сўз очар.* Мақол. *Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар.* Мақол. ▬ *«Йўқ, бунда бир сир бор. Мен бу ишни, албатта, очаман», деб ўйлар эди Нури.* Ойбек, Танланган асарлар.

14 *тар.* Паранжи ташлатмоқ, паранжисиз юришга имкон ёки рухсат бермоқ. *Мулла Норқўзи жаҳл билан унинг [хотинининг] аламини босмоқчи бўлди: -Э, ҳали мен сени очаман деб юрибман-ку.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Яқин орада хотин-қизларнинг ёппа очилишини ташкил қилиш керак, тушундингизми?* С. Зуннунова, Олов.

15 Ҳуснига ҳусн қўшмоқ, гўзаллаштирмоқ, кўрк бермоқ. *Ловуллаган гилам уйни жуда очиб юборди. Кийим қиз ҳуснини янада очибди. Эр юзини ер очар, ер юзини эр очар.* Мақол.

16 Кучайтирмоқ, ривожлантирмоқ, ўстирмоқ. *Киши фикрини китоб очади. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.* Мақол. ▬ *Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи, Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил.* Ҳамза.

17 Тухум босиб, ундан жўжа чиқармоқ. *Товуқ ўнта жўжа очибди. Мусича бола очибди.* ▬ *-Биз ёруғ дунёни кўриш учун туғилганмиз, Турғуной! — деди Мастон. - Биз товуқ эмасмизки, қандай тухум бостирса, шуни очиб чиқарсак.* А. Қаҳҳор, Мастон.

Америка очмоқ *с. т.* Аллақачон маълум бўлган нарсаларни янгилик деб эълон қилмоқ. **Биқинингдан** *(ёки* **қулоғингнинг тагидан)** **дарча очиб қўяйми** *қ.* **дарча. Очди қилмоқ** Ким ҳақ, ким ноҳақлигини кўпчилик ўртасида ҳал қилмоқ. *Бутун гапларни орада очди қилмасак, таъна-тавбалардан қутулмайдиганга ўхшайман.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Фол очмоқ** Тахмин қилмоқ; бирор ҳолат, ҳодиса ёки нарса ҳақида асоссиз гапирмоқ. *Одамлар аниқ бир тасаввурга эга бўлмагани учун, ҳар ким ўз ҳолича фол очарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Қорни очмоқ** Очиқмоқ, оч қолмоқ. **Қўриқ очмоқ** Ер ўзлаштирмоқ; фойдаланилмаган ерга экин экмоқ. *Қўриқлар очилиб, ҳали сизот сувлар оқиб кетадиган қувурлар ётқизилмай туриб, уларга ҳам чигит экилди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОЧ-НАҲОР *рвш.* **1** Эрта билан нонушта, наҳорлик қилмасдан. *Онамга аччиқ қилиб, мактабга оч-наҳор кетдим.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

2 Очин-тўқин, оч. *Ҳар кун қармоқ ташлайман, ўғлим оч-наҳор келса, тўйдираман деб.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОЧОФАТ Ўтакетган очкўз, ебтўймас, баднафс. *Очофат ит.* ▬ *Қоп-қора пашшалар болакайнинг оёқларига, кир юзларига очофатдай ёпишар, келинойим эса ўчоқ бошида ҳеч нима эшитмаётгандай, нимадир пишираётганди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Очофат тиши билан ўзига гўр қазийди.* «Қанотли сўзлар».

ОЧ-ЯЛАНҒОЧ Овқат ва кийимга ёлчимаган, зор, муҳтож; тирикчилиги оғир, қашшоқ. *Оч-яланғоч, эшикларда кўплар гадо, Кўролмайин бир дақиқа завқу сафо.* Ғайратий.

ОЧҚАМОҚ *шв.* Очиқмоқ. *Бир куни тулки бўрининг олдига келса, бўри жуда очқаб турган экан.* «Эртаклар».

ОЧҚИЧ *айн.* **калит.**

ОШ I [*ф.* آش — ёвғон шўрва, хўрда; овқат] **1** Пиширилган иссиқ овқат. *Угра ош. Хўрда ош.* ▬ *Совчиларни яхши сўзлар ва қуюқ-суюқ ошлар билан жўнатиб, иккинчи келишига ўйлашиб жавоб берадиган бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман, ҳар қандай овқат, таом. *Ош тузи. Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич!* Мақол. *Элга берсанг ошингни, Эрлар силар бошингни.* Мақол. *Жон бўлса, жаҳон топилар, Ош бўлса, қозон топилар.* Мақол. ▬ *Тўра қозон бошидан мис товоқда суюқ ош олиб келиб, чордана қуриб ўтирди.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 *айн.* **палов.** *Ош дамламоқ.* ▬ *Илгарилари лағмон ёки ош ейиш учун нуқул корхонадан ташқарига чиқишга мажбур бўлар эдик.* Газетадан. *-Ўлтиринг, ўлтиринг, меҳмон! — деди уста Фарфи. — Ошга сабзи босилдипишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Юртга ош бермоқ Тўй ва б. маъракаларда катта қозонда ош дамлаб, юртни зиёфат қилмоқ. *Ана холос, қози поччанг юртга ош бераётган бўлсалар, туянинг думи ерга тегибди-ку.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *этн.* Баъзи муносабатлар билан ўтказиладиган зиёфатлар номининг таркибий қисми, мас. *қиз оши, хотин оши, арвоҳ оши, маслаҳат оши.*

Ош бўлсин Еган-ичганинг татисин, сингсин, ёқсин каби маъноларда ишлатиладиган ибора. *Зарра бировнинг ҳақи ўзгага ош бўлмагай, Охири шармандалик, кимки ҳазар қилмаса.* Ҳабибий. **Ош қилмоқ** 1) ҳазм қилмоқ, сингдирмоқ; 2) бировнинг молини, пулини еб кетмоқ, ўзлаштириб юбормоқ. **Оғзидаги ошни олдирмоқ** *қ.* **олдирмоқ.**

ОШ II *махс.* Тери ошлашда ишлатиладиган модда.

ОША 1 Ошмоқ фл. рвдш. *Орзулари амалга оша бошлади.*

2 *кўм. (б.к. билан)* Устидан ёки ичидан ўтиб; орқали. *Алимардон унга елкаси оша қаради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қалам ва қалб соҳиби бениҳоя хилма-хил йўллар ва сўқмоқлар оша бетиним ўз чўққисини излайди, меҳнат ва машаққат билан унга етади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

3 *кўм. (б. к. билан)* Давомида, мобайнида, бўйи. *Чақалоқлар оч ва яланғоч, Ер ва сув деб ўтди деҳқонлар, Йиллар оша, асрлар оша Ҳукм сурди шундай замонлар.* Э. Раҳим.

4 Орадан маълум вақт ўтказиб, орада маълум вақт қолдириб. *Кун оша. Ой оша. Йил оша.*

5 *рвш. шв.* Жуда, ўта; ҳаддан ташқари. *Ҳуройимнинг дарди оша ёмондир, Рустамни кўрмоғи унинг гумондир.* «Рустамхон».

6 *рвш. шв.* Узоқ, йироқ, бегона (юрт, эл, мамлакат ҳақида). *Оша юртдан келдим сени сўроқлаб. Пиёда йўл юрдим, бағримни доғлаб.* Фозил шоир. *Оша юртдан келган экан зўравор, Бундай меҳмон, болам, сенга не даркор?* «Алпомиш».

ОШАЛАМОҚ *айн.* **ошамоқ 1.** *Марат қовурилган гўшт устидан тўғроғлиқ майда пиёз, пиёз орқасидан тузланган карамдан олиб ошалади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОШАМ Бир марта ошаш учун мўлжаллаб сиқимланган қуюқ овқат (ош, шавла, норин ва ш. к.). *Биров бировни уйига таклиф қилса: «Чой қуйиб бераман, ош дамлаб бераман», «Марҳамат қилинг, бир ошам ошимиз бор»,— дейди.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик. *Бердибойнинг қорни ҳар қанча оч ва ўн беш кунлардан буён иссиқ кўрмаган эсада, олдига қўйилган паловдан бир-икки ошам олиб, томоғидан нарига ўтказолмади.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Бир (*ёки* **бир-икки) ошам** Озгина, арзимаган. *Афанди мардикорчилик қилар эди, бир хасис одам уни ярим танга пул, бир ошам ошга баҳолашди.* «Латифалар».

ОШАМЛАМОҚ Ошам-ошам сиқимлаб олиб емоқ. *Эр-хотин лаганга қўл чўзиб, ошамлаб ея бошлашади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ОШАМОҚ 1 Қўл билан ошамлаб олиб емоқ. *Паловни ким ёмон кўрарди, лекин профессор Обидийчалик унга бино қўйиб, чиройли ошайдиган одамлар кам бўлса керак.* Мирмуҳсин, Умид. *Қизил чиллакини иштаҳа билан ошаб, сўзни давом эттирди Фазлиддин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, емоқ. *Нонсиз яшаб бўлмас, гапни ошаб бўлмас.* Мақол. *Яхши бўлсанг яшарсан, насибангни ошарсан.* Мақол.

3 Бировнинг қўлидан бир ошам ош емоқ.

4 *этн.* Зиёфатда бировнинг қўлидан бир ошам ош еб, галдаги зиёфатни ўз устига олмоқ.

Ёшини яшаб, ошини ошаган *қ.* **ёш** II **1**.

ОШАТМОҚ Ошамоқ фл. орт. н. *Ерга ошатсанг — ош битар, ошатмасанг — тош битар.* Мақол. ▬ *Табаррук қўлингиз билан [ошдан] битта ошатингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОШДАМГИР *айн.* **дамгир.** *Иккита оқ пиёзни майда тўғради, унга пича мурч сепди, пиёзни гурунчнинг бир чеккасига кўмиб, ошдамгирни ёпди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит.

ОШЁН [*ф.* آشیان — уя, ин; уй, кулба, бошпана] *кт.* **1** Қуш уяси; ин. *Қушлар ошёнидан учиб кетмишлар, Кеч кузак ҳайбати соя солганда.* А. Шер, Қадимги куй. *Чегара билмаган озод қалдирғоч Ошён топади бўғотимизда.* F. Fулом.

2 Ҳовли-жой, бошпана. *Мен у тарафларда ҳовли-жой йўқ бўлса керак, деб хаёл қилган эдим, йўқ, қишлоқ аҳли биз кетган сойликнинг икки лабини ошён тутган экан.* М. М. Дўст, Лолазор. *Ватан деган чоғда оддий ошён - Ўлан тўшагини англаганлар мўл.* А. Орипов, Йиллар армони.

3 *кўчма* Макон, эгалланган жой. *Лола деганимизда, қир-адирлар маликаси, лаъл бисотли гуллар ошёнини кўз олдимизга келтирамиз.* Газетадан. *[Булут] Шамол қанотида йўл олди хушнуд Ошёнидан узоқ-узоқ томонга.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОШЁНА [*ф.* آشیانه — ин, уя; уй, бошпана] *кт. эск.* Бинонинг юқори қавати; юқори қаватдаги хона.

ОШИРИЛМОҚ Оширмоқ фл. мажҳ. н. *Ўқитувчиларнинг малакаси оширилди.* ▬ *Симхаев заводидаги ерлик ишчилар иш ҳақи оширилишини.. талаб этиб, иш ташладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Иш прокуратурага оширилган эди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОШИРМА Хамири оширилиб, кўпчитиб тайёрланган. *Оширма нон.* ▬ *Оширма, яъни хамиртуруш солинган хамирда ҳар хил нон ёпиш мумкин.* Д. Сиддиқов, Лаззатли таомлар.

ОШИРМОҚ 1 Ошмоқ 1—7, 9—10 фл. орт. н. *Ойликни оширмоқ. Товуқлар сонини оширмоқ. Ҳосилни оширмоқ. Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар.* Мақол. ▬ *Князь сув пулини уч баравар ошириб юборибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Одамларнинг руҳини кўтариш, ҳосилдорликни ошириш керак.* Т. Ашуров, Оқ от. *Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан янги объектлар ҳам барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

Бошидан (*ёки* **ўзидан, елкасидан) оширмоқ** Масъулиятни бировга юклаб, ўзини ташвишдан, ишдан холи қилмоқ.

2 *с. т.* Бировга бериб, ўтказиб юбормоқ; пулламоқ, сотмоқ. *Жиноят ишини коптоксимон терговдан терговга, суддан судга ошираверди..* Газетадан. *Агар.. қутичани бирор ерга оширган бўлсанг, ҳали ҳам яхшиликча ўрнига қайтар, — деди Ҳожи бобо Шум болага.* F. Fулом, Шум бола. *[Марасул:] Хуморхон шунақа нарсаларга ўч, ўшанга оширамиз.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

3 Бўрттирмоқ, муболаға қилмоқ. *Мақтовини оширмоқ.* ▬ *-Йўқ, сиз жуда ошириб юбордингиз, Сайфуллахўжа, — деди бошини чайқаб, — сизларникида кунига уч-тўрт маҳал эмас, бир маҳалгина иссиқ овқат ер эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сидоров ошириб юборганини тушунди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Оширмай-тоширмай Қандай бўлса ўша ҳолича; бўрттирмай, муболаға қилмай. *Кунлар ўтаверди. Умид асло пинагини бузмади. Комиссияга бор ҳақиқат гапни оширмай-тоширмай айтди.* Мирмуҳсин, Умид.

4 Маълум чегара ёки баландликдан ўтказмоқ. *Бу сафар Ҳабибулло полвон Куллалик полвонни елкаси узра ошириб, отиб ташлади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Тўрт-беш метр баландга етганда, инқиллаб, қанордаги тупроқнинг ярмини елкасидан ошириб тўкади-да, қолганини дўнгга опчиқиб кетади.* С. Аҳмад, Уфқ.

Амалга оширмоқ *қ.* **амал 1**. *Ўйлаган режасини амалга оширмоқ.*

ОШИФТА [*ф.* آشفته – ҳайрон, лол бўлиб қолган; хижолатда қолган; ошиқ] *кт.* Севиб, мафтун бўлиб қолган; ошиқ, шайдо. *Табиат ошифталарининг маълумотларига қараганда, дунё бўйича лоланинг 140 дан ортиқ тури қайд қилиниб, мамлакатимиз кўламида 83 тури рўйхатга олинган.* Газетадан. *Ўзбек тупроғидан келибман бу бор, Сенгадир ошифта қалбим сафоси.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ошифта бу дил сатрини сайқалласа зора, Бўстон бўйи кокиллари, тўхтанг, менга навбат!* Т. Тўла.

ОШИФТАЛИК Ошифта эканлик; мафтунлик. *Одам бор экан, унинг идеалдаги барнолиги, ошифталигию паривашлиги ҳар доим таранну̇м этилаверади, меҳнатдаю ҳуснда яккалиги куйланаверади.* «Ёшлик».

ОШИФТАҲОЛ [*ф.* + *а.* آشفته‌حال] *кт.* Ҳаяжонга тушган, эс-ҳушидан адашган, паришонхотир. *Харобат аро кирдим ошифтаҳол, Май истарга илкимда синган сафол.* Алишер Навоий.

ОШИҚ I [*а.* عاشق – севувчи, севиб қолган; хуштор; мухлис] **1** Бировни жуда севиб, унга шайдо бўлиб қолган, бировга муҳаббат қўйган киши; хуштор. *Ошиқи бeқарор.* ▬ *Муҳаббат дардига мубтало ошиқ, Сенга ҳавас билан боқурман чиндан.* А. Орипов, Йиллар армони. *[Туҳфа:] Мирзо Анварга ошиқ бўлган экансан, Нозик!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Бирор нарсани жуда яхши кўриб қолган, унга берилган; мухлис. *Шеър ошиғи. Мусиқа ошиғи.* ▬ *Ботирали! Эъзозхон! Қани, бери келинглар! – деб [Ғофир ота] гул ошиқларини ўз ҳузурига чақирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ойқиз бу қизга узоқ тикилгач, уни ашула ва дутор ошиғи бўлса керак, деб ўйлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ОШИ́Қ II **1** *анат.* Айрим ҳайвонларнинг орқа оёғи тизза бўғимидаги бириктирувчи чорқирра суякча. *Эчкининг ошиғи. Туянинг ошиғи.* ▬ *Энди ҳовлиларнинг эшиклари очилган, болалар чўнтакларини ёнғоқ, ошиқларга тўлдириб, кўчага чиқа бошлашган эди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

2 Шундай суякча (одатда қўй ошиғи) воситасида ўйналадиган ўйин. *Ошиқ отмоқ.* ▬ *Менинг ёшлигимда бирга ошиқ ўйнаб, яхмалак отиб ўсган бир оғайним бор.* Шукрулло, Сайланма. *Тавба! Эшон «гардкам» деб ошиқ отадими, а?* Ойбек, Танланган асарлар.

Ошиғи олчи бўлмоқ Иши бароридан келмоқ, муваффақиятга эришмоқ *Аранг ғалабага эришдим. Энди мен билан бамаслаҳат иш юритсангиз, кам бўлмайсиз, доим ошиғингиз олчи бўлади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОШИ́Қ III **1** Маълум миқдордан кўп; ортиқ. *Мажлисга юздан ошиқ одам қатнашди. Бу китобни ёзишга беш йилдан ошиқ вақт сарф бўлди.*

2 Белгиланган нархдан юқори, ўз нархидан ортиқ, қиммат. *Мендан беш сўм ошиқ олибсиз. Ошиқ баҳо билан сотмоқ.*

Ошиғи билан 1) маълум миқдордан ошириб; ортиғи билан. *Режа ошиғи билан бажарилди;* 2) кўп деганда, кўпи билан, нари борса. *Ремонт учун ошиғи билан бир ой кетади. Бу нарса ошиғи билан минг сўм туради.*

3 Меъёрдан ортиқча. *Яхшибоев сўзларни сал бетартиб тизганини, керагидан ошиқ баландпарвоз оҳанг тутганини пайқади.* М. М. Дўст, Лолазор. *Сал бурнидан ошиқ гапирсанг, бирор йиғин-пиғинда, «Аҳли жамоа, қассобни алмаштирмасак, бўлмайди», деб қолишдан тоймайди бу чол!* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

ОШИҚИНМОҚ *кам қўлл.* Сабрсизлик билан интилмоқ. *Мулла Абдураҳмон Қўқон*

сафарига ҳозирланаркан, кўнгли Қўқонда ўзини кутиб турган уламолик шуҳратига: муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқинар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ОШИҚЛАРЧА Ошиқларга ўхшаб, ошиқона. *Кечагина мен ошиқларча Ялингандим: «Унутма мени».* «Саодат».

ОШИҚЛИК I Севиб қолганлик, хушторлик. *Ошиқликдан жинни бўлай деяпти.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *-Энди билдим, ошиқлик оғир дард экан. Бошимга тушганда билдим,— деди [йигит].* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Йўлчига ачинаман,— деди чол,— ошиқлик йўлига кирганини билар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОШИҚЛИК II Кўплик, ортиқчалик *Ҳосилнинг режадагидан анча ошиқлиги аниқланди.*

ОШИҚ-МАЪШУҚ [*а.* عاشق‌معشق] Бир-бирини севган, бир-бирига муҳаббат боғлаган йигит билан қиз. *Бироқ бу икки бахтиёр ошиқ-маъшуқ олдинда тақдирнинг қандоқ ўйинлари борлигини билишмас эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Иккиси ошиқ-маъшуқ.. манга қолса, айб Йўлчида эмас, айб Гулнор шайтонда [деди Нури].* Ойбек, Танланган асарлар.

ОШИҚ-МОШИҚ [*қ.* **ошиқ-маъшуқ**] Эшик, дераза каби нарсаларни ўрнатиш ва уларнинг очилиб-ёпилиши учун хизмат қиладиган металл буюм. *Ҳў, зинанинг тепасидаги қопқоқни кўряпсанми? Ўшанинг ошиқ-мошиғини кўчирса бўларкан. Фақат бунинг учун бир парча темир керак.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Бу вақт ҳовли эшиги тарақ этиб очилиб, бир тавақаси ошиқ-мошиғидан учиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОШИҚМОҚ Кўзланган ишнинг, мақсаднинг тез амалга ошуви учун интилмоқ, сабрсизлик билан ҳаракат қилмоқ; шошилмоқ, интиқмоқ. *Ёрдам беришга ошиқмоқ. Ошиққаннинг ошиғи олчи бўлмайди,* Мақол. ▬ *Тўхтахола.. қанчалик ошиқмасин, чолларга ета олмади, улар идорага кириб кетишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мамат қассоб қанчалик ошиқмасин, қадами унмаётгандек эди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

Юраги ошиқмоқ Юраги бесаранжом бўлмоқ, ҳовлиқмоқ. *[Хожи хола:] Эртасига.. Фуод афандининг келишини ё чақиртиришини кутмасдан-ла, юрагим ошиқиб, ҳужрасига кириб бордим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОШИҚОНА [*а. + ф.* عاشقانه — муҳаббат, меҳр қўйиб, эҳтирос билан; сидқидилдан] **1** *рвш.* Ошиқлар каби, ошиқлардек, ошиқларча. *Ошиқона куйламоқ.* ▬ *Чекка-чеккада жуфт-жуфт бўлиб, ошиқона кезаётганлар кўзга аллақандай шарпадек кўринарди.* «Ёшлик».

2 Севги, ишққа тегишли, оид. *Ошиқона хат. Ошиқона ғазал.* ▬ *Ошиқона сўзлар, асрлик мунг ва зорлар битилган кутилмаган мактуб Аброр кўнглини бутун ўзгартирди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОШИҚЧА 1 Керагидан ортиқ, кўп; ортиқча. *Ошиқча юк. Ошиқча ҳаракат.*

2 Кераксиз, беҳуда. *Ошиқча гап.* ▬ *Ҳозир у Яхшибоевдан норози бўлди, лекин сиртига чиқармади, гарчи ошиқча ташвиш бўлса-да, ўзи гап қотди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Вазири бузрук Шерназарбойнинг муддаосини пайқади, энди у билан ошиқча сўзлашиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини билди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Қўшимча, ортиқча. *Режадан ошиқча маҳсулот. Ошиқча ҳақ тўламоқ.*

ОШИҒИЧ Тез бажарилиши, тезда амалга оширилиши лозим бўлган, кечиктириб бўлмайдиган; шошилинч, зуд. *Яхшибоев қабулдан кўнгли тоғдай кўтарилиб чиқди-ю, Қурбонойга ошиғич телеграмма жўнатди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Кутилмаганда кўча эшик тагига аллақандай машина шитоб билан келиб тўхтаб, кимдир ошиғич пастга тушди.* М. Мансуров, Ёмби.

ОШИҲАЛОЛ, ошҳалол [*ф. + а.* آش‌حلال — ҳалол меҳнат билан топилган овқат] Чўпон ёки подачининг меҳнати эвазига оладиган озиқ-овқати, нони. *-Уйдаям иш кўп, бозор куни ошиҳалолгаям чиқа олмайман, — деди Эшмамат подачи.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Ошиҳалолни одамлар пул йўғида ўйлаб топишган.* «Ёшлик». *Ниёз бобо менга тўланадиган ҳақдан гап очди: -Энди, келин, ўзинг тушунасан, юртда оғирчилик, ошиҳалолга подани боқади-да ўғлинг.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди.

ОШКАДИ *с. т. айн.* **ошқовоқ**. *Ошкади каллага ҳар хил гап келади.* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

ОШКОР [*ф.* آشكار — аниқ, равшан, кўриниб турган, очиқ-ойдин] **1** *сфт.* Ҳаммага маълум, кўриниб турган, аён; очиқ-ойдин. *Ошкор иш. Ошкор зиддият. Ошкор*

муҳаббат. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Мақол. ▬ *Раҳимов қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Унинг кулгисини микрофон ҳаммага ошкор қилди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Нечук, юрак сирларини ошкор этмоқ унга жуда зарур бўлиб қолибди?* Мирмуҳсин, Умид.

2 *рвш.* Яширмасдан, рўйирост; ошкора. *Бу гал, эл-юрт олдида ошкор, тортинмай узоқ ўпишдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Домла.. заҳарли экани ошкор сезилиб турган бу чучмал кулгига эътибор қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОШКОРА [*ф.* آشکارا – аниқ, очиқ-ойдин, очиқчасига] **1** *айн.* **ошкор 2.** *Ошкора сўзлашмоқ.* ▬ *Фотиҳа бўлгандан кейин ошкора учрашув уларга ман этилди. Урф шунақа, одат шунақа, начора.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Ўзларингиз ошкора гаплашиб олинглар. Орқадан ғийбат қилгунча, ҳар қандай гап бўлса, шартта бетга айтиш керак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 *сфт.* Очиқ-ойдин, ҳаммага маълум бўлиб, кўриниб турган; аён. *Яширин дўстдан, ошкора душман яхши.* Мақол. ▬ *Шаҳарнинг кўп хуфия ва ошкора савдогарлари Муҳаммадражабга қойил қоладилар.* А. Қаҳҳор, Сароб. *[Нури] Қизнинг юрагидаги сирларни бутунлай ошкора қилишни истади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОШКОРАЛИК Ошкора хусусиятга эгалик; очиқ-ойдинлик. *Суднинг ошкоралиги.* ▬ *Ошкоралик салбий ҳодисаларга қарши, жамиятимиз қонунларини бузаётган кимсаларга қарши қудратли қуролдир.* Газетадан. *Райком вакили, гарчи ўзи бирон кишининг шаънига танқидий фикр айтмаган бўлса-да, бошқаларни ошкораликка даъват этди.* «Ёшлик».

ОШКЎК Таомларга қўшиладиган, овқат билан қўшиб ейиладиган кашнич, барра пиёз, укроп каби кўкатлар. *Маълумки, иссиқ иқлимли мамлакатларда яшовчи аҳолининг пазандачилигида зираворлар ва ошкўклар кенг қўлланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Эътиборлиси, улар томонидан ташкил этилган ярмарка савдоларида ошкўклардан тортиб қовун-тарвузгача, чорвачилик маҳсулотларигача бор.* Газетадан.

ОШЛАМОҚ I Махсус моддалар, эритмалар билан хом терига, мўйнага ишлов бермоқ, терининг жунини тўкмоқ, терини яланғочламоқ. *Кеч билан ўзим бош бўлиб таначани сўйиб, ёғ-гўштини хумга урдик. Терисини эшон, вақти келганда пишириб, маҳси қиларман, деб ошлашга буюрди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ҳар қандай ҳайвон териси ҳам ошланса, тоза ва пок бўлади.* «Фан ва турмуш». *Чавандоз эгарга қоплама қиламан деб, тери ошлаётган экан.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ОШЛАМОҚ II *с. т.* Ош емоқ, овқатланмоқ; ош, овқат бермоқ. *Энди ошин ошлайди, Тоғдан аста пастлайди.* «Нурали».

ОШЛИ *сфт.* Ошга эга бўлган. *Ошли қозон. Ошли қўл.* ▬ *Ошли оғиз билан бошланган хиргойи томоққа тиқилди, мингбоши қўрқиб кетди ва оғзидаги ошни косага пуркаб, яна ошга қўл узатди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ОШЛИК Ош қилиш учун етарли масаллиқ, нарса. *Бир ошлик масаллиқ. Икки ошлик туз.*

ОШЛИҚ *эск. кт.* Ғалла, дон. *Кузга бориб ошлиқ ҳам, пахта ҳам ёлчитмади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Не ажабким, марҳум Шариф тарро хондан бир ғалвир ошлиқ сўрамаганида, унга ўлим йўқ эди.* «Ёшлик».

ОШЛОВЧИ 1 Ошламоқ I фл. сфдш. *Тери ошловчи ишчилар.*

2 Тери ва мўйна ошлашда ишлатиладиган, ошлашга ёрдам берадиган. *Ошловчи модда.*

ОШМОҚ 1 Миқдор ёки ҳажм жиҳатидан кўпаймоқ; ўсмоқ; ортмоқ. *Факультетдаги талабалар сони беш юздан ошди.* ▬ *Пахта йилдан йилга мўл бўлиб, фойдаси ҳам ошиб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Иши бошидан ошиб ётмоқ (*ёки* **кетмоқ**) Иши жуда кўп бўлмоқ, жуда кўпайиб кетмоқ. *Директорнинг пешоналари тиришди-ю, салгина норозилик маъносида ўзига-ўзи деди: «Мана, ишлар ҳам бошимдан ошиб кетди».* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Набирали бўладиган Ўзбек ойимнинг иши бошидан ошган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ортмоқ, ортиб қолмоқ. *Харажатдан беш сўм ошиб қолди.*

3 Кўтарилмоқ. *Ойим куйди-ёнди, дадамнинг қон босими ошиб, касалхонага тушиб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Саодат лабини жийириб, шишачани қайтиб узатди: -Йўқ, беш сўмдан оша олмайман..* «Ёшлик». *Ҳали офтобнинг дами қайтмаган, Қўшариқнинг катта кўчасидаги азамат тераклар толдан*

ошиб, ҳовлига тўрт энликкина соя ташлаган пайт эди. С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳар кун мол нархи ошади, бозорда савдогарларнинг қулоғи тик-кайган.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Маълум бир пайт чегарасидан ўтмоқ; кечмоқ; оғмоқ. *Вақт ярим кечадан ошди. Соат учдан ошди. Иш бошлаганимга беш ой-дан ошди. Ёшим қирқ бешдан ошди.* ▬ *Соат олтига белгиланган тўй соат ўндан ошганда бошланибди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

5 Мол сотиб олишда унинг баҳосини оширмоқ, нархига нарх қўшмоқ, орттирмоқ. *Бошқа бир рақиб илмасин, деган андиша билан баққол ҳам бир тангалаб ошаверди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ким ошди савдоси Молини очиқ савдога қўйиб, уни энг юқори нарх қўйган кишига сотиш усули; аукцион.

6 Кучаймоқ, зўраймоқ; янада сезиларли, таъсирли бўлмоқ. *Алами ошди. Завқим ошди. Ихлосим ошди. Кайфи ошди. Ғайрати ошди. Ишга ҳаваси ошди.* ▬ *Уйда ўтиравериб, Муроднинг хуноби ошиб кетди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Искандар ич-ичидан жиғибийрони ошиб, терс бурилиб чиқиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

7 Такомиллашмоқ, яхшиланмоқ; юқори босқичга кўтарилмоқ. *Сотувчининг малакаси ошди. Ҳуқуқий онгимиз ошмоқда. Қадрласанг, қадринг ошар.* Мақол. ▬ *Бу ҳужжатни бутун районга тарқатмоқчимиз, Шер, обрўйинг ошиб, чўққига кўтарилаётганингни биляпсанми?* И. Раҳим, Ихлос.

8 Бирор жиҳатдан ёки бирор соҳада бошқалардан ўтиб кетмоқ, ўзмоқ, зўр чиқмоқ, орқада қолдирмоқ. *Агар енгсанг, зўр келсанг, ошсанг, Доим сени тўйга бошлайман.* Э. Раҳим, Янги қадам.

Ошиб тушмоқ *қ.* **тушмоқ 24**. *Мамат қассобники ҳаммадан ошиб тушди. У бошқалардек қилмади-ю, лекин чиқиб кетди.* «Ёшлик».

9 Маълум бир тўсиқ, чегара ёки баландликдан ўтмоқ. *Довон(дан) ошмоқ. Девордан ошмоқ. Тоғ(дан) ошмоқ. Сув тўғондан ошиб тушяпти. Қимирлаган қир ошар.* Мақол. ▬ *Шермат девордан ошиб, ҳовлига тушди ва оёқ учида юрганча, бурчакдаги уй олдига келди.* «Ёшлик». *Саломат қизлар билан боғма-боғ ошиб келиб, девор раҳнасидан қўшиққа қулоқ соларди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Умбалоқ ошмоқ *қ.* **умбалоқ.** *Ит умбалоқ ошиб, бели билан деворга бориб урилди, кўзлари тубсиз қаҳрга тўлиб, ғингшиди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

10 Қўлдан қўлга, бир ташкилотдан бошқасига ўтмоқ. *Иш терговдан судга ошди.*

11 Кўпмоқ, кўпчимоқ (хамир ҳақида). *Хамир ошди.*

Амалга ошмоқ *қ.* **амал 1.**

ОШНА [*ф.* آشنا – таниш, маълум, дўст киши; бир нарсани билувчи] **1** Таниш, таниш-билиш. *Бир кўрган ошна, Икки кўрган қариндош.* Мақол. ▬ *Норбўтанинг қизи докторликка ўқийди, мингта ошнаси бор десанг-чи!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 Ўртоқ, дўст. *Пул ошнаси ошна бўлмас, пўкакдан пошна бўлмас.* Мақол. ▬ *Ўрмонжоннинг отаси Омон ака Сидиқжоннинг отаси Соҳибжон ака билан жуда қалин ўртоқ эди; икки ошна ўлиб кетгандан кейин, Ёрмонжон билан Сидиқжон чинакам ака-укадай бўлиб қолишган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аҳмад Ҳусайн Искандаро олдига бориб келиб, қалин ошна бўлди.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Ўз тенгқурларига нисбатан мурожаат шакли.

4 Илгаридан маълум, таниш. *Ўш тоғлари, қўрқинч жарлари, жилғалари, адирлари – барчаси бизга кўпдан ошна.* Миртемир, Асарлар. *Сафаргалдига бу қумлар чақалоқ вақтидан ошна. Қорақумда унинг киндик қони тўкилган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 Хабардор; биладиган. *Анвар.. яхшигина форсихон ва бир даража араб тилига ошна эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Менингча, машинанинг «иллати» тўғрисида гапириб юрувчилар техникага ошна бўлмаган кишилар бўлса керак.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

Моховга ошна қилмоқ *қ.* **мохов.** *Яхшибоевнинг биринчи бор сўкиши эмас, лоф бўлсаям, бирор минг бора моховга ошна қилиб сўккандир?* М. М. Дўст, Лолазор.

ОШНА-ОҒАЙНИ Яқин таниш-билишлар, дўст-биродар, қадрдонлар. *Ошна-оғайниларнинг ҳашари билан данғиллама қилиб бир уй, бир айвон солиб олдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Нормат қадрдон батальонига келиб, ошна-оғайнилари билан учрашаркан, севинчини юрагига сиғдиролмай, жуда гапдон бўлиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОШНА-ОҒАЙНИГАРЧИЛИК 1 Ошна-оғайнилар, дўстлар ўртасидаги муноса-

батлар, борди-келди алоқалари. *Бизнинг Набигул одам эмас ўзи! Ёш-да, ҳали ошна-оғайнигарчиликни билмайди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Ошна-оғайнилар манфаатини кўзлаб, ишга зарар келтириш, ошна-оғайнилар манфаатини хизмат манфаатидан юқори қўйиш. *Ишда ошна-оғайнигарчилик бўлмайди.*

ОШНА-ОҒАЙНИЛИК *айн.* **ошна-оғайнигарчилик.** *Ҳой, Эргаш полвон, дунёда ошна-оғайнилик бор экан, тўғриланмайдиган иш бўлмайди.* Шукрулло, Сайланма.

ОШНАЧИЛИК *айн.* **ошна-оғайнигарчилик 1.** *Мен биров билан ошначилик қилсам, ҳатто ундан жонимни ҳам аямай, кўнглини олмоққа тиришаман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОШНО [*ф.* آشنا] *айн.* **ошна.** *Қушдан дўст топгандим, кўп кўрди фалак, Энди қайлардасан, ошно каклигим.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОШ-НОН Озиқ-овқат. *Муҳаббат ош-нон бўлиб қорин тўйғазмайди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОШПАЗ [*ф.* آشپز – овқат, ош пиширувчи] 1 Овқат тайёрлаш, пишириш билан шуғулланувчи шахс. *Ошпаз йигит қайрағоч тагидаги катта супага жой қилиб, дастурхон ёзди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шавла жуда тотли туюлди — ошпазни мақтадилар,* Ойбек, Қуёш қораймас.

ОШПАЗЛИК Овқат пишириш билан шуғулланиш; ошпаз касби. *Жўра ака ошпазлик сирларини отасидан ўрганди.* Газетадан.

ОШПИЧОҚ Сербар, учи тўмтоқ махсус катта пичоқ. *Искандар, ёмон ҳид келгандай, бурнини жийириб, ошхона тарафга қаради, айвон устунига суяб қўйилган кунда ва катта ошпичоқни кўрди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОШСИРАМОҚ *с. т.* Ош истаб қолмоқ, ошни тусамоқ; очиқмоқ. *-А, — деди мингбоши ғижиниб, — ошсираб қолдингми? Очмисан?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОШ-СУВ Қуюқ-суюқ овқат, ош-нон; зиёфат. *Кампир: -Бир кеча меҳмон бўлиб кетсанг, ҳеч нарса қилмас, ош-сув қилмасдан ҳеч қаёққа юбормайман, — деб туриб олди.* «Ёшлик». *[Олахўжа:] Тезроқ тўй қилиб, ош-сув билан халойиқнинг оғзини мойлаши керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОШТАХТА Хамир ёйиш ва ундан лағмон, угра, шилпилдоқ ва ш. к. кесишда фойдаланиладиган махсус тахта. *Кўзи оштахтада-ю, хаёллари қўшниси Мирзаалининг ҳовлисида кезаётган бўлса ҳам ажаб эмас..* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОШУФТА *айн.* **ошифта**. *Биринчи галда аёл муҳаббат ошуфтаси.* «Ёшлик». *Шунинг учун синфдаги ҳамма болалар Нилуфарга ошуфта.* «Ёшлик».

ОШУФТАҲОЛ *айн.* **ошифтаҳол.** *..Кўр бахшиларнинг термасини эшитиб, Аваз ошуфтаҳол бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Ариқчада гирдобланар бир хаёл, Термулганда мироблар ошуфтаҳол.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

ОШХАМИР Лағмон, угра, чучвара каби таомлар қилиш учун мослаб тайёрланган пишиқ хамир.

ОШХОНА [*ф.* آشخانه] **1** Овқат тайёрлаш учун мосланган махсус хона ёки бино. *Ошхонада ғимирсиб юрган Рисолат укасининг олдига бир чойнак чой келтириб, ўзи ҳам ёнига ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бу хонадоннинг ошхонаси бўлмагани учун бўлса керак, ҳалиги айвоннинг бир бурчагига ўчоқ қурилган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умумий овқатланиш муассасаси. *Ариқ бўйига ўнлаб чойхона ва ошхона қурилган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кинодан чиқиб, ошхонада бирга овқатланишди, биринчи марта икковлари бир стол атрофида ўтириб овқатланишарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОШХЎР [*ф.* آشخور – ош еювчи] **1** Паловни яхши кўрадиган киши. *Профессор жуда ошхўр, девзира гуручдан дамланган думба ёғининг паловини ҳамма таомлардан аъло кўради.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Овқатга солинадиган, овқат учун ишлатиладиган; овқат билан ейиладиган. *Ошхўр кўкатлар киши саломатлигини мустаҳкамлайди.* «Саодат».

ОШХЎРАК [*ф.* آشخوراک – овқат ейиш] **1** Овқат еяётганда уст-бошга тегизмаслик учун бўйинга боғлаб олинадиган, кўкракни ёпиб турадиган фартукча. *Болага ошхўрак боғламоқ.*

2 *эск.* Ўқувчиларга овқатланиб олиш учун бериладиган танаффус.

ОШХЎРЛИК 1 Ошни, паловни яхши кўришлик; тўйиб ош ейиш.

2 Улфатлашиб ош қилиб ейиш. *Луғумбек чойхоналарида ошхўрлик, аскиябозлик алла-*

паллагача давом қиларди. С. Аҳмад, Уфқ. *Назирқул яна ошхўрлик бўлишидан севиниб, пилдираганича Азим бойваччанинг ҳовлисига қараб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ОШ-ҚАТИҚ Тирикчилик учун зарур озиқ-овқат. *Энди беш-олти кунлик ош-қатиққа нафи тегмаса, нима қилиб ўстирдим буни?* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ош-қатиқ бўлмоқ Бирор шахс билан борди-келди қилмоқ, яқин муносабатда бўлмоқ. *Қулоғингизда бўлсинки, мана шу Турғунбоевнинг бир бошлиғи бор, зинҳор у билан ош-қатиқ бўла кўрманг.* А. Муҳиддин, Тўғри таъбир. *Муроддан сўрайсиз. Бинафшахон Ғайбаров билан ош-қатиқ, дейишади.* «Ёшлик».

ОШҚОВОҚ *қ.* **қовоқ** I. *Ошқовоқ сувда, сутда қайнатиб, буғлаб, димлаб, қовуриб истеъмол қилинади..* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Ошқовоқ билан тошқовоқни фарқ қилмайди, деб ўйлайсизми?* Ойбек, О. в. шабадалар.

ОШҚОЗОН *анат.* Инсон ва ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш йўлининг кенгайган қисми; қопчага ўхшаш овқат ҳазм қилиш аъзоси; меъда. *Ошқозон касалликлари. Ошқозон ости безлари.* ▬ *Ушбу ичимлик иштаҳа очадиган, чанқоқни босадиган, буйрак, ошқозон ва ичак хасталикларига дори эканлигини тасдиқлашди.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ОЯТ [*а.* آيت – белги, нишон; мўъжиза] *дин.* Қуръон сураларининг ҳар бир жумласи, ҳар бир банди. *Меҳроблар тепасига «хатти шикаста» хати билан оят ёзилган.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Баъзилар чўккалаб ўтириб олиб, ўзлари билган оятни тиловат қилмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Қуръони каримда Од қавми тўғрисида жуда кўп оятлар нозил қилинган.* Газетадан.

ОҚ I **1** *сфт.* Қор, сут, пахта рангидаги. *Оқ дока. Оқ қоғоз. Оқ нон. Оқ ит, қора ит – бари бир ит.* Мақол. ▬ *Салимбой.. йўғон гўштдор қўлларини қордай оқ сурп тўшалган столга қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Кумушнинг] ..илжайишидан ёқутдек лаблари остидаги садаф каби оқ тишлари бир оз кўриниб қўйдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Оқ тусга мойил, тиниқ (юз, бадан туси ҳақида). *Оқ бадан. Оқ танли. Оқ юзли.* ▬ *Хотин ўтирмоқчи бўлган эди, паранжи ичидан унинг атлас кўйлаклари ва нафис оқ қўллари кўриниб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Оқ билак Қўлини совуқ сувга урмайдиган, фақат ўзига оро берадиган (аёл ҳақида).

3 *айн.* **оқлик.** *Болаларим, оққа етамиз, деб кўзларингиз оқараёзди, бу зормондани сўйиб, пулига жой қиламиз, дедилар.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Оилага берилган ана шундай соғлом сигир туфайли неча киши, айниқса, болаларнинг оғзи оққа – сут-қатиққа тегади.* Газетадан.

4 *от, с. т.* Ароқ. *Хоҳи пиво, хоҳи вино, хоҳи коньяк, хоҳи оқ, Нўш этиб, уйга келурман, ерда турмайдур оёқ.* Ҳабибий.

5 *сфт. кўчма тар.* Чор Россияси подшосига тегишли; унинг тарафдори; контрреволюцион. *Оқ амалдорлар. Оқ гвардиячилар.* ▬ *Оқ пошшонинг кумуш нишони билан Кўтариб юрди у ўша ханжарни..* Х. Даврон, Қақнус.

Оқлар *(фақат кўпл. ш.)* Оқ гвардиячилар. *Чапай аскарлари келдилар босиб, Босиб келди улар оқлар устига.* А. Орипов, Йиллар армони. *Раззоқ қизил армияга кўнгилли бўлиб ёзилиб, оқларга қарши курашаман, деб қолибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

6 *сфт.* Охирги, тоза (қўлдан чиқариш ёки пардозлаш учун қилинган охирги иш ҳақида). *Оққа кўчирмоқ.* ▬ *Жавоб мактубини оққа кўчириб улгурмасидан, ҳовлини отларнинг дупури қоплаб кетди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Муҳаммад енгиллаaниб ўрнидан турди ва сўнгги шеърини бир оз тузатиб, оққа кўчириш учун уйига бормоғи кераклигини айтди.* Ойбек, Нур қидириб.

Оқ сувоқ Қора сувоқ устидан бериладиган текис сувоқ, пардоз сувоқ.

7 *от* Гуноҳсиз, шаънига доғ тушмаган киши; тўғри, ҳақиқат. *Текширамиз: оқни оққа, қорани қорага ажратамиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бизга ўқитувчилар ҳам, Султонова ҳам тенг: оқ бўлса – оқ деймиз, қора бўлса – қора.* С. Зуннунова, Олов.

Оқ-қорани таниган *қ.* **танимоқ. Оқдан қорани** (*ёки* **оқ-қорани**) **ажратмоқ** Ёмон билан яхшини, дўст билан душманни, фойда билан зиённи фарқламоқ, тушунмоқ. *-Бизнинг мақсадимиз - кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата ола-*

диган бўлсин! — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

8 *от* Оқарган тук, мўй; соч ва соқолнинг оқарган қисми. *Сочнинг оқи. Соқолнинг оқи.* ▬ *«Отни единг», дедим ичимда. Бошқаси бўлса, қамчин билан солар эдим, лекин соқолининг оқини ҳурмат қилдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Сочига (*ёки* **соқолига**) **оқ кирган** *(ёки* **тушган, оралаган**) Сочи ёки соқоли оқара бошлаган. *Ёши элликдан ўтган бўлса-да, Бўри аканинг сочига оқ ораламаганди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *У, қирқ беш ёшларда, новча, соқол, мўйловларига анчагина оқ тушган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 *от* Кўзнинг қорачиқни ўраган, тиниқ рангли, шаффоф қисми. *Кўзнинг оқи.*

10 *от* Баъзи касалликлар натижасида кўз қорачиғида пайдо бўладиган оқиш доғ, парда. *Унинг кўзига оқ тушибди.* ▬ *Бечоранинг жиндек айби бор экан: юзи чўтир, ўнг кўзида нўхатдаккина оқи бор экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зарчаванинг шираси кўзни ўткирлаштиришга, қорачиғидаги катаракта ва оқни кетказишга жуда фойда қилади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

11 *от* Тухумнинг оқсил моддаси.

Кўзининг оқу қораси *қ.* **кўз. Манглайи оқ бўлсин** Яхшилик ниятида тиланган олқиш, дуо. *Толеинг тоабад бўлмасин қора, Манглайинг оқ бўлсин, ярқироқ бўлсин.* А. Орипов, Йиллар армони. **Оқ ичмоқ** *(ёки* **урмоқ**) Қадаҳда ёки идишда қолдирмай, ҳаммасини ичмоқ, сипқармоқ. *Мана шу қимизни бир оқ уриб беринг.* С. Аҳмад, Уфқ. *[Шариф:] Дарҳақиқат, ўртоқ Камолов, пахтакорларнинг меҳнати енгиллашсин, деб янги ихтиро яратган экан, келинг, дўстлар, оқ ичайлик!* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. **Оқ йўл!** *қ.* **йўл. Оқ киймоқ** *этн.* Мотам либосини киймоқ, баъзи жойларда, аксинча, таъзия муддати тугагач, қора кийимни оқ кийим билан алмаштирмоқ, мотам либосини ташламоқ. *Рўзимуроднинг онаси аза очди. Қариндошлар оқ кийиб, овоз чиқардилар.* Ш. Ашурова, Янга. **Оқ кўнгил** *қ.* **кўнгил 1**. **Оқ олтин** Пахта. **Оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ** Берган сутига, боққанига норози бўлмоқ, фарзандидан норози бўлиб, ундан юз ўгирмоқ. *[Ўзбек ойим:] Энди менга мундоқ ўғил керак эмас.. оқ сутимни оққа, кўк сутимни кўкка соғдим.. Энди Тошкентга келмасин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Оқ фотиҳа** *қ.* **фотиҳа 3**. *Оқсоқол уларни йўлдан қайтаришга ожиз эканлигини сезиб жим қолди. -Йўл олдидан бизга оқ фотиҳа берсангиз, - дейишди ўспиринлар.* «Ёшлик». **Оқ чой** 1) сут қўшилган чой. *Уста Аҳмад Муртазога халтани кўрсатиб: - Эрталаб оқ чойни сеникида ичамиз, — деди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой; 2) *шв.* кўк чой. **Оқ ювиб, оқ тарамоқ** Авайламоқ, асрамоқ. *Роҳила хола Шоҳрухни ўз фарзандидай оқ ювиб, оқ тараб ўстирди.* «Ёшлик». **Оқ ўрамоқ** *этн.* Қиз билан йигитни унаштиришга розилик белгиси, маросими. *Эшитмадингизми? Кеча Хайринисоникига бориб, оқ ўраб келдик.* «Ёшлик». **Тишиниг оқини кўрсатмоқ** *қ.* **тиш**. *-Чатоқ экан, — деди карвонбоши, сўнг илк бор тишининг оқини кўрсатди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОҚ II [*а.* عاقّ - бўйсунмас, итоатсиз, сўзга кирмайдиган, ҳурмат қилишни билмайдиган (ўғил)]: **оқ қилмоқ** Ўз фарзандини лаънатламоқ, нафрат ўқиб ундан юз ўгирмоқ, воз кечмоқ. *Агар қизим юзимни ерга қаратган бўлса, жувонмарг бўлсин, оқ қилдим.* С. Зуннунова, Олов. *Ғиёсиддин Бухоронинг Девонбеги мадрасасида таҳсил кўриб, ўқиб юрган пайтларида отаси уни оқ қилади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

=оқ 1 *куч. юкл. (унлилардан кейин —* **=ёқ)** Пайт билдирувчи сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг дарҳол бажарилишини ифодалайди. *Мусобақага ҳозирданоқ тайёрланмоқ керак.*

2 =(и)б аффиксли равишдошларга қўшилиб, кейинги иш-ҳаракатнинг бевосита шу равишдош ифодалаган иш-ҳаракатдан кейин бажарилишини билдиради. *У уйга келибоқ ўғлини йўқлади.*

ОҚАВА *айн.* **оқова.**

ОҚАР 1 Оқмоқ фл. сфдш.

2 Оқадиган, доим оқиб турадиган. *Оқар дарё.* ▬ *Демак, бизнинг қилган ишимиз изсиз кетмайдиган, умримиз оқар сувдек бекорга оқмайдиган бўлибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОҚАРИНҚИРАМОҚ Оқара бошламоқ; ранги ўчмоқ. *Чиройли юзлари оқаринқираб, кўзларининг атрофи аламдан бужмайиброқ қолгандай.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Кароматхон ширали қўлларини ёйганча, оқаринқираб қолди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОҚАРИШМОҚ 1 Оқармоқ фл. бирг. н.

2 Ғира-шира оқармоқ, сал оқармоқ; оқара бошламоқ. *Салимжоннинг оқаришган юзига қон югурди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ОҚАРМОҚ 1 Оқ тусга кирмоқ, оқ тус олмоқ. *Қор ёғиб, ерлар оқариб қолибди.* ▬ *Биз меҳнатда топдик бахтимиз, Меҳнатда соч оқарса, майли!* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *[Турғун:] Йўқ. Аксинча, оқарибсиз. Жиндек озиб, яна ҳам чиройли бўлибсиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Чинни пиёласимон чаноқлар оқариб кўзга ташланади.* С. Қодиров, Тонг юлдузлари.

2 Қонсизланиб ёки қони қочиб, қизилликни йўқотмоқ, ранги ўчмоқ, бўзармоқ. *Унинг ранги оқариб кетди.* ▬ *Умри бир оқарди, бир қизарди-ю, мени қучоқлаб йиғлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Собирга қараган эди, у бир оқарди-ю, энгашиб, портфелини титкилашга тушди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 Ўнгмоқ, рангини йўқотмоқ, айнимоқ (кўпинча, бўялган нарсалар ҳақида). *Устидаги гимнастёркаси ёмғирда ювилиб, офтобда ўнгиб, оқариб кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Деҳқон нигоҳи жиддий, олийжаноб, устида чакмон, оёғида оқариб кетган маҳси.* «Фан ва турмуш».

4 Ёруғ бўлмоқ, ёришмоқ. *Кечаси соат тўртданоқ шарқ томон оқара бошлади. Ҳадемай тун оқаради.* ▬ *Адир томондан уфқ, худди парда орқасидан чироқ ёққандек, оқариб келяпти.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Машҳар тонги аста-секин оқариб келар, Кўз олдимда содир бўлди Улуғ Қиёмат.* А. Орипов, Йиллар армони.

Косаси оқармаган 1) уйида соғин сигири бўлмаган; косаси сут кўрмаган; 2) топганига барака кирмаган, бири икки бўлмаган. *Икромжон бундоқ ўйлаб қараса, бу артистмижоз шериги билан ишлайдиган бўлса, сира косаси оқармайдиган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўз ота-онасининг раъйини қайтарган боланинг ҳеч қачон косаси оқармайди!* Мирмуҳсин, Чиниқиш. **Оғзи оқариб қолди** Сигири туғди ёки уйида соғин сигир пайдо бўлди; доим сутқатиқ ичадиган бўлиб қолди. *Ола бузоқ туғиб олди, Оғзимиз ҳам оқариб қолди.* Ғ. Ғулом. *Худо хоҳласа, айни қиш чилласида болаларнинг оғзи оқариб қолади, databиродар!* «Ёшлик».

ОҚАРТИРМОҚ 1 Оқармоқ фл. орт. н. *Уйни оқартирмоқ.* ▬ *Пешиндан бери ёғаётган ҳўл қор том бўғотларини, ариқ бўйларини оқартирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Оғир меҳнат ва оиладаги бахтсизлик Мастура холанинг сочларини бевақт оқартириб, мусичадай ювош қилиб қўйган.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 *махс.* Қалай югуртирмоқ, қалай югуртириб, металл буюмлар сиртини қопламоқ. *Мис тоғорани оқартирмоқ.*

3 *махс.* Турли ашёларнинг оқлик даражасини кучайтириш учун баъзи технологик жараёнларни амалга оширмоқ.

4 *кўчма* Билим-маърифат бермоқ, онгини оширмоқ. *Қора элларни оқартирмоқлик учун Белни маҳкам боғлаб ишлов кун, бу кун.* Ҳамза.

ОҚАРТУВ 1 Оқартмоқ фл. ҳар.н.

2 Халқнинг билим ва онгини оширишга қаратилган иш; маърифат. *Маданий-оқартув ишлари.*

ОҚБОШ Бўйи ярим метрча келадиган, сербарг, майда оқ тўпгулли ёввойи ўт. *Ернинг бор бисоти — оқбош, қамиш, янтоқ.* Г. Нуруллаева, Юрак ёнмоғи керак. *Оқбош, супурги, шувоқ, ёвшан, читир дасталарини райҳон сувига чайиб, қуритиб, тахлаб қўйибдилар сояга..* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОҚИБАТ I [*а.* عاقبت – натижа, якун, самара; из, асар; эргашиш, таъқиб қилиш] Қадрдонлик, дўстлик туйғуси, меҳр, муҳаббат ва шундан келиб чиқадиган яхши муносабат; мурувват. *Инсоннинг инсонга оқибати узоқ сафарларда билинади.* Газетадан. *Ҳа, шуми ҳали, Бўтабой ака, орамизда пулдан ҳам каттароқ нарса – меҳру оқибат бор эдику.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Мунавварxон, қоқиндиқ, сиздан келган оқибат шуми? Боққа бир бордингиз-у, бадар кетдингиз,– деб гинахонлик қилиб кўришди амма.* С. Анорбоев, Меҳр.

ОҚИБАТ II [*а.* عاقبت] **1** Охирги якун, натижа. *Ишнинг оқибати.* ▬ *Агар Болта муаллим уни судраб кетмаганида, оқибати нима бўлиши номаълум эди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Адолат аризасининг оқибатини кутиб юрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *рвш.* Ҳамма нарса (воқеа ёки ҳаракатлар) бўлиб ўтгандан кейин, охири, натижада, охир-пировардида, ниҳоят. *Оқибат шу натижага келинди: майли, Саидийни қисман хабардор қилиш керак.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тишченко уни бирмунча вақт шофёрлар курсига тайёрлабди, оқибат киргизиб ҳам қўйибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. *Тушди сени*

деб бошима жабру ситам, ҳадсиз азоб, Ақлу ҳушимдан оқибат бегона бўлдим соғиниб. Ҳамза.

ОҚИБАТДА *рвш.* Охир-пировардида, охири, натижада, ниҳоят. *Оқибатда иш қалай бўларкин? Оқибатда ҳамма нарсалардан ажралди.* ▬ *Дастлаб қайғу билан кўз очган бу сабоҳ оқибатда эл учун хайрли бўлиб чиқди.* Т. Малик, Қалдирғоч.

ОҚИБАТЛИ Оқибати бор, меҳр-муҳаббатли. -*Раҳмат, хоним, — деди Яхшибоев. — Сиз оқибатли хотинсиз, ўз вақтида танбеҳ берибсиз.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бир кун туз ичган жойга қирқ кун саломдир жоиз - Оқибатли халқимда мақол бор шундоқ қадим.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОҚИБАТСИЗ I Оқибатни, яхшиликка яхшилик қайтаришни билмайдиган; бемеҳр, мурувватсиз. *Оқибатсиз одам.* ▬ *Намунча бу болаларнинг ота-оналари оқибатсиз бўлишмаса?!* «Шарқ юлдузи».

ОҚИБАТСИЗ II *рвш.* Эътибор берилмасдан, текширилмасдан, натижасиз. *Темур Малик ва Жалолиддин режалари оқибатсиз қолди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Салимнинг Тўла тўғрисида онасига куйиниб айтган сўзлари оқибатсиз қолиб кетди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ОҚИЗИЛМОҚ Оқизмоқ фл. мажҳ. н. *Дарё суви янги ерларга оқизилди.* ▬ *Бу ерга колхоз ёшларининг ҳаракати туфайли.. чиғир билан сув оқизилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОҚИЗИҚ *геол.* Сувда эриб ва сув билан бирга оқиб келиб ўрнашган минерал ва органик жинслар.

ОҚИЗМАЙ-ТОМИЗМАЙ *рвш.* Бир оғиз сўзни ҳам тушириб қолдирмай, бутун тафсилоти билан; батафсил. *Низомжон бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб беришга мажбур бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОҚИЗМОҚ Оқмоқ 1 фл. орт. н. *Ариқдан сув оқизмоқ.* ▬ *Сув оқизилганда, бу лойқалар шағал ораларига кириб, сув шимилишидан сақлаб қолади.* С. Аҳмад, Уфқ.

Сувга оқизмоқ *қ.* **сув.**

2 Тўкмоқ, оқиб тушмоқ. *Кўз ёшини оқизмоқ. Пешона терини оқизмоқ.* ▬ *Саиднинг отаси сувни лунжларидан оқизиб ичди, рўмол билан оғзини артиб, оёқлари остига ташлади.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Маълум қилмоқ, етказмоқ. *Ўғил боламан, опа! Бировнинг сирини Санжарга ўхшаган шалтоқлар оқизиб юради.* С. Зуннунова, Олов.

ОҚИЗОҚ 1 Бирор нарсани ипга боғлаб сувга ташлаб оқизиш ўйини. *Оқизоқ ўйнамоқ. Оқизоқ қилмоқ.* ▬ *Ўзбекнинг боласи узумга тўйса, ангишвона қилади деганларидай, болалар сал ўтмай, еб турган нонларини оқизоқ қилиб ўйнай бошладилар.* «Ёшлик».

2 Оқиб турган, оқаётган ҳолда. *Балки кутар мени бир қиз, кўз ёшлари оқизоқ.* «Шарқ юлдузи».

3 *қ. х.* Эгатлардан узоқ вақт сув оқизиб қўйиб, экинларни қондириб суғориш усули.

ОҚИЛ [*а.* عاقل - ақлли, фаросатли, эсҳушли; бамаъни] **1** Ўткир ақл соҳиби; ақлли, доно. *Оқил одам. Семиз қўзининг гўшти яхши, Оқил онанинг — қизи.* Мақол. ▬ *Сен* [*Умид*] *олийжаноб, оқила бир қиз муҳаббатини оёғости қилдинг, сен бу аламни ўлгунингча тортасан.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ақл билан айтилган, қилинган; бамаъни. *Ёрни гўзал дема, оқил сўзи бўлмаса, Тотли бўлмас таом, агар тузи бўлмаса.* Ў. Мирзо.

3 Оқил (эркаклар исми).

ОҚИЛА [*а.* عاقله — «оқил» с. нинг муаннаси] **1** Ўткир ақл соҳибаси; ақлли, доно (аёл ҳақида). *Гавҳаршодбегим кўп оқила, жуда ҳозиржавоб бўлган, деб эшитганман.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

2 Оқила (хотин-қизлар исми).

ОҚИЛЛИК Донолик, ақллилик; бамаънилик. *Ҳаётда адолат ва разолат, садоқат ва қабоҳат, оқиллик ва нодонлик, поклик ва жирканчлик, тўғрилик ва ўғрилик бор экан, табиийки, жиноят ҳам содир бўлиб туради.* Газетадан.

ОҚИЛОНА [*а.+ ф.* عاقلانه — маъқул, ақлга мувофиқ, ақл билан; доноларча] *рвш.* Оқил кишилар каби, оқилларча ўйлаб, ақл билан, бамаъни. *Оқилона маслаҳат бермоқ. Маблағларни оқилона ва ишнинг кўзини билиб ўзлаштирмоқ. Оқилона гап.* ▬ *Бу гапларнинг барини Ҳафиза хомуш ва оқилона тинглаб, уларни тасдиқлар, Умиднинг ҳамма фикрларига қўшилишини бош қимирлатиб билдирарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Таклиф оқилона бўлгани учун қуйидаги хатни ёзишибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ОҚИМ 1 Маълум бир томонга оқаётган сув, суюқлик ёки газ жараёни. *Иссиқ оқим. Совуқ оқим. Газ оқими.* ▬ *Рашид қайиқни*

оқим ихтиёрига қўйиб юборди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Шундай жараён йўналган томон, йўналиш. *Азизхон ариққа тушганда, беш-олти йигит оқимга қарши сувни шалоплатиб сузиб юришарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чавандоз отини орқага буриб, сув оқимига қараб кетди ва юз қадамча юргандан кейин юганини тортиб, қамчи урди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *физ.* Берилган сиртдан вақт бирлиги ичида ўтаётган тўлиқ энергия миқдори. *Ёруғлик оқими. Электронлар оқими. Магнит оқими.*

4 *кўчма* Маълум бир томонга йўналган киши ёки нарсалар жараёни. *Одамлар оқими. Хатлар оқими.* ▬ *Майдон атрофидаги кўчаларда, паркларда халқ оқими тошар, чайқалар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Пул оқимини Алиқулнинг ўзи бошқарарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ёмғир шаррос қуяр, кўчадаги йўловчилар соябон остида шошилиб қадам ташлар, улкан машиналар оқими ёмғир селини шириллатиб кесиб борарди.* А. Нурмуродов, Уруш.

5 *кўчма* Ижтимоий фаолият, илм-фан, назария ва ш. к. нинг бирор соҳасидаги йўналиши; қараш. *Реакцион оқим. Сиёсий оқим. Замон оқими.* ▬ *Ёшлар ҳали оқим сифатида ўзларини намоён қила олганлари йўқ.* Газетадан.

Гапнинг оқими Гапнинг йўналиши, бориши, омади. *Саидғози буни дарров пайқади, гапнинг оқимини ўзгартирди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Оқимга қарши юрмоқ** (*ёки* **сузмоқ)** Жамиятда устун йўналишга қарши ҳаракат қилмоқ.

ОҚИМТИР *айн.* **оқиш** I. *Оқимтир тутун.* ▬ *Шифтнинг баъзи жойларида оқимтир гуллар, сумалаксимон нарсалар осилиб турарди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ОҚИН I **1** *сфт.* Доим оқиб турадиган; оқар. *Оқин дарё.* ▬ *Шоҳиста.. оқин сувдай шарақлаб, кулиб кириб келди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Шавкат, ҳовуздан оқин сувга қайтган балиқдай, эркин-эркин қулоч отиб, яйраб чўмилди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 *айн.* **оқим 1, 2**. *Қуёшга оқмоқда минг дарё оқин. Шу оқин ичида бир томчи мен ҳам.* Қ. Муҳаммадий. *Халқ оқини — энг кучли оқин.* Ҳ. Пўлат. *Умид Эргашдан. Лекин Эргаш оқинга қарши якка туроладими?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОҚИН II [*т.* آقين < *ф.* آخوند – ўқимишли одам] Қозоқ ва қирғизларда: бадиҳагўй шоир, куйчи; халқ шоири; бахши. *Эй сен, жавон шоир, ўспирин оқин, Ўтли юрагингга қилурман ҳавас.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОҚИНДИ: оқинди сувлар Корхона ёки хонадонлар ҳовлисидан ўтган ариқлардан оқиб чиқаётган чиқинди сувлар ёки ёғин сувлари.

ОҚИШ I Оққа мойил, ним оқ; оқимтир, оқчил. *Оқиш булут. Оқиш бўёқ. Оқиш қоғоз.* ▬ *Осмон ўзининг ёзги тиниқлигини йўқотган, оқиш хира.* С. Анорбоев, Оқсой. *Даладан илон изи бўлиб кетган оқиш йўлнинг уфқида бир нима «йилт» этди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОҚИШ II **Оқмоқ** фл. ҳар. н. *Сувнинг оқишига қара, халқнинг хоҳишига қара.* Мақол.

ОҚИШОҚ Шоли оқланганда майдаланган, синган гуруч; гуручнинг майдаси. *Оқишоқдан ош бўлмас.* Мақол. ▬ *Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сигирининг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сийлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ОҚКАЛТАК-ҚОРАКАЛТАК: оққалтак-қоракалтак бўлмоқ Тўғри келган нарса билан қуролланиб уришмоқ; савалашмоқ. *Тангриқул ҳожи бошлиқ оломон оққалтак-қоракалтак бўлиб, водокачкага қараб юрибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОҚКИЯР *этн.* Оқсолар. *Айвонда кампир Жўрахонга Шопўлат даллолнинг оққиярида Парихон отиннинг гапирган гапларини.. сўзлаб берди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОҚЛАМОҚ 1 Оҳак, бўр каби оқ тусга киритувчи нарсалар билан бўямоқ. *Деворни оқламоқ. Уйни оқламоқ.* ▬ *Дарахтларнинг танасини оқлаб юрган чол енги билан пешонасини арта туриб, шийпонга қараб қичқирди: Ҳой Комилжон!* С. Зуннунова, Олов.

2 Овқатга қатиқ қўшмоқ, қатиқламоқ. *Мошхўрдани оқламоқ.* ▬ *Ойхон қўшқулоққа қатиқ ивитиб қўйган экан, маставани оқлаб ичдилар.* А. Мухтор, Кумуш тола.

3 Чойга сут аралаштирмоқ. *[Қутидор:] Тўйбека, Кумушнинг чойини оқлаб бер-чи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *махс.* Металл нарсаларнинг сиртига қалай югуртирмоқ. *Мис қозонни оқламоқ.*

5 Донни, ғаллани туйиб, пўстини ажратмоқ, тозаламоқ. *Ўрта яшар хотин қўй-*

лак енгларини билагигача шимариб, тўқ-тўқ қилиб, келида шоли оқлайди. С. Аҳмад, Уфқ. *Куёвингиз обжувозда шоли оқлаяпти. Тинчомонлик, отаси.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

6 *кўчма* Бирор кишининг гуноҳсиз эканлигини тасдиқламоқ, кимсани айбдор эмас деб топмоқ. *Суд гуноҳсизларни оқлади.* ▬ *[Ҳамида:] Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига, ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Қодир Набигулга «Ҳолингга вой» дегандай қилиб қаради. Буни Набигул фаҳмлаб, ўзини оқлашга киришди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

7 Бирор ҳаракат ёки ҳолатнинг тўғрилигини тасдиқламоқ, ҳақ, тўғри деб топмоқ. *Қизига бўлган ғазабини юраги оқласа, ақли қоралarди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қиз-жувонларимизнинг эгнидаги ғалати-ғалати кийимлар ҳақида гап борганда, уларни нима деб оқлашни ҳам билмайсан киши.* Газетадан.

Ишончни оқламоқ Билдирилган ишончга муносиб иш қилмоқ. *Бу йигит лаёқатли, ишчан, шубҳасиз, ишончларингизни оқлайди.* «Шарқ юлдузи». **Она сутини оқламоқ** Онага мардларча хизмат қилиб, уни рози қилмоқ, фарзандлик бурчини бажармоқ. **Тузини оқламоқ** Ўз паноҳига олиб боққан, тарбия қилган кишининг хизматига яраша хизмат қилмоқ. *Улуғ бурчим тузингни оқламоқдир, Ҳамиша ҳурматингни сақламоқдир.* Ҳабибий.

ОҚЛАНМОҚ Оқламоқ фл. мажҳ. н. *Айбдор оқланди.* ▬ *Эҳтимол, ҳақиқий ўғри ушланиб, Ҳимматилла оқланиб чиқар.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Қуёш нури.. оппоқ оқланган деворларда кўзни тиндирувчи ёлқин билан жимирлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОҚЛИК Оқ хусусиятига эгалик. *Қорнинг оқлиги. Сочнинг оқлиги. Кўнгилнинг оқлиги.* ▬ *Отабек билан Ўтаббой қушбеги Қўқонга чақириладилар-да, сўроқдан сўнг яна оқликка чиқадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОҚЛИҚ 1 Сут ва сутдан тайёрланадиган маҳсулотлар (қатиқ, қаймоқ ва ш. к.). *Агар бўлса оқлиғинг, билинмайди йўқлиғинг.* Мақол. ▬ *Эчки бўлса ҳамки, бола-чақага оқлик ўзимиздан чиқиб турган эди, гўшт-пўштини олиб, битта соғин эчки берсанглар.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Анчадан бери оқлиқ кўрмаган фарзандларимнинг сутни ниҳоятда иштаҳа ва иштиёқ билан ичаётганини кўриб, ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим.* Газетадан.

2 Пиширилган сутни ивитиш (қатиқ қилиш) учун унга солинадиган озгина қатиқ; томизғи. *-Ҳозир сут соққандирсиз, ахир. -Соғдим.. Пишириб, оқлиқ солиб қўйган эдим.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *этн.* Тўйга розилик белгиси сифатида совчиларга совға қилинадиган оқ ёки очиқ, оч рангли газлама, рўмол, кийим-кечак. *[Эшон] Қўйнидаги бир кийим читни Сурхонбойнинг олдига қўйди-да, гап бошлади: -Мана бу хамир учидан патир, ҳожим.. Оқлиқ.. Қуда бўлмоқчимиз.* И. Раҳим, Тақдир.

4 *этн.* Кўмиш маросимига, азага келганларга бўлиб бериладиган рўмолчабоп газлама; йиртиш. *Оқлиқ йиртиш.*

5 *этн.* Кафан, кафанлик. *Абдураҳмонбой Олимжонни бойлигига соҳиб қилиб, ўзи икки газликкина оқликка эга бўлиб, ҳовли-жойларини ташлаб, бир бўйигина чуқургача кириб, бедому дарак кетди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОҚЛОВ 1 Оқламоқ фл. ҳар. н.

2 *кўчма* Оқлайдиган, гуноҳсизликни исботлайдиган. *Адвокатнинг оқлов нутқи.* ▬ *Агар у кишининг оёғи чиндан касал бўлмаса, дўхтирлар ҳам унга оқлов қоғози қилиб бермасди.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди.

ОҚЛОВЧИ 1 Оқламоқ фл. сфдш. *Уй оқловчи. Шоли оқловчи.*

2 *ҳуқ.* Судда бирор киши ёки тарафни ҳимоя қилувчи юрист, адвокат. *Қораловчи гапириб, оқловчи гапириб, Олиянинг ўзи охирги сўздан кечиб, суд ҳайъати қамоқ муддатини эълон қилди.* М. М. Дўст, Лолазор. *[Орипов:] Дуруст, дуруст.. Аслида-ку қораловчибоп кишисиз-у, оқловчи бўлиб, бекорга умрингиз ўтяпти-да!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ОҚМА *тиб.* Аъзо ва тўқималардаги бузилиш жароҳатлари оқибатида пайдо бўладиган, узоқ вақт битмайдиган, йирингли тешик яралар. *Вали урушдан қайтганида, Карим аъзойи бадани илвираб, оқма бўлиб ётарди.* «Ёшлик».

ОҚМИЯ *айн.* **эшакмия.**

ОҚМОҚ 1 Паст томонга қараб узлуксиз, сурункасига ҳаракат қилмоқ, юрмоқ (суюқлик ҳақида). *Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ.* Мақол. ▬ *Қонкус тун бўйи ғазаб билан, алам билан тўлғаниб оқди.* Ў. Ҳошимов,

Қалбингга қулоқ сол. *Филатовнинг бир қўли қон оқаётган елкасида, иккинчи қўли пулемёт лентасида, боши қуйи солинган эди.* А, Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Тез-тез томмоқ, бирин-кетин юмаламоқ (томчилар ҳақида). *[Қизнинг] Кўзларидан оққан томчилар қуёшда инжудай ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ошно дўстининг кўзларидан дув-дув ёш оқаётганини кўрди, хўрланди..* М. М. Дўст, Лолазор.

3 Сув оқими билан бирга силжимоқ, сузмоқ. *Қолганлардан бир қисми сойнинг ўртасига етмасдан қайтишга мажбур бўлди. Икки киши оқиб кетаёзди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 Қуйилиб келмоқ; ўтмоқ. *Ўтказгичлардан электр токи оқа бошлади.*

5 *кўчма* Келиб, тушиб турмоқ. *Конвейерлардан дон оқади.* ▬ *Хона ичига қуёшнинг илиқ ёрқин ипаги жимгина оқди.* Ойбек, Навоий.

Оқиб келмоқ Мунтазам келиб, тушиб, етишиб турмоқ. *Арзимас амалини, оқиб келиб турган ҳаром-хариш пулларини деб, жуфти ҳалолидан кечган кимсани нима деб аташ керак?!* М. М. Дўст, Ёмби.

6 Жараён тарзида, кўплашиб бирор томонга юрмоқ, ўтмоқ. *Отлиқлар Оқмачит қири томон оқиб борарди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Эрталабдан бошлаб қишлоқ аҳолиси мактаб томон оқди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Тўкилмоқ, осилиб тушмоқ. *Икки атрофда пахтасининг чўғи қочган далалар гоҳ чўп бўлиб ғўзапояси қолган, гоҳ пахтаси эгатларга оқиб тушган пайкаллар билан алмашинади.* М. Мансуров, Ёмби.

8 *кўчма* Ўтмоқ, кечмоқ. *Ҳаёт бир маромда, бир изда оқа бошлади.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. *Йиллар оқар йилларни ювиб, Тақдирига тан берар ҳавас.* А. Шер, Қадимги куй.

ОҚОВА 1 Ҳовуз, экинзор каби жойларга бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб кетадиган сув.

Оқова қилиб суғориш Экинни эгатлардан сув оқизиб қўйиб, мириқтириб суғориш.

2 Партов сув, чиқит, ифлос сув. *У қўлини ювaётиб, қувурга жилдираб оқаётган оқовага тикилган куйи, беихтиёр хаёлга толди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

3 *кўчма с. т.* Бўлиб ўтган ишнинг қолдиқ асари, оқибати. *Бултурги ишнинг оқоваси.* ▬ *Бу йўл-йўлакай узоқ давом этган дарғазаб суҳбатнинг совиброқ қолган оқоваси эди, шекилли.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Гарчанд айнан шунақа деб айтишмаган бўлса ҳам, гапнинг оқоваси шунга олиб келар эди.* «Ёшлик».

ОҚПАДАР [*а.+ ф.* عاقّپدر – отаси (ота-онаси)ни норози қилган фарзанд] **1** Жуда қаттиқ гуноҳи, ножўя хатти-ҳаракати учун отаси (ота-онаси) оқ қилган, лаънатлаган, юз ўгирган фарзанд (ўғил ёки қиз). *Оқпадар бола энди бу уйда туришга ҳақсиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *сўк. айн.* **лаънати.** *Бунақа оқпадар, каллакесарларни пешонасидан отиш керак.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОҚПАЛАК Ўсимликларнинг баргларига оқиш доғлар тушириб, сўлдирадиган ва қуритадиган касаллик (вилт касалининг бир хили). -*Олимлар оқпалакка чидамли нав топишди-ку! – гапга аралашди талаффузи ширинроқ йигит.* С. Нуров, Нарвон. *Оқпалак бўлаёзган пахтани ўғит сепиш билан соғайтириш мумкин.* С. Айний, Қуллар.

ОҚПАР Оқиш, оққа мойил, оқ аралашган. *Оқ, оқпар кундузлар қоронғу бўлди, Шамоллар хор-хасни отди юзларга.* А. Суюн, Олис тонглар.

Оқпар чой Оқ гулбарглари аралашган хушбўй, аъло навли чой. *Оқпар чойга тўлган кўк чойнак Менга азиз чин армуғондек.* М. Шайхзода.

ОҚСАМОҚ 1 Бир оёғи калталиги, майиб ёки касаллиги туфайли чайқалиб, чўлоқланиб юрмоқ, оқсоқланмоқ. *Хийла олислаб қолган Маҳмуд ака сал оқсаганича кетиб борарди.* С. Зуннунова, Олов. *Командир Стеклов оқсарди. У баъзан беихтиёр равишда тиззасини чангаллар, юзлари, гўё алам ғижимлагандай, бир он буришиб кетарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Сустлашмоқ, орқада қолмоқ, қониқарсиз ёки паст савияда бормоқ. *Янги навлар яратиш, эртапишар, узун толали ва ҳар қандай касалликларга чидамли, айниқса, вильтга чидамли навлар яратиш иши оқсаяпти.* Мирмуҳсин, Умид.

3 *кўчма* Ноқислик, калталик қилмоқ. *Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга келганда оқсайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *(ч. к. билан) с. т.* Камчилик, етишмовчилик туфайли қийналмоқ, йўқликдан нoилож қолмоқ. *Пулдан оқсамоқ.*

ОҚ-САРИҚ Оққа мойил сариқ, оч сариқ. *Сўнгги жумлани айтганда, генералнинг оқ-сариқ юзидаги сийрак ажинларини табассум тўлдирди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Нариги томонда эса кун нурида қизиган оқсариқ қумлар ястаниб ётарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ОҚСИЛ I **1** *биол.* Ҳайвон ва ўсимликлар организмининг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этган, таркибида азот бўлган мураккаб органик модда. *Оқсил ҳужайралар тузилиши учун зарур бўлган моддадир.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Нон маҳсулотлари таркибида оқсил, турли минерал моддалар ва витаминлар бўлиши муҳим аҳамиятга эга.* «Фан ва турмуш».

2 Товуқ тухумининг оқ моддаси. *Аёл тухумни чақди. Ютоқиб оқсилини сўрди. Кейин тухумдаги тешикни бармоғи билан кенгайтириб, сариғини ютди.* «Ёшлик». *Бунинг учун тухумнинг оқсил қисмидан сариғи ажратиб олинади-да, сув билан аралаштирилади.* Газетадан.

ОҚСИЛ II Чорва моллари ва чўчқаларда бўладиган, шиддатли ўтадиган юқумли касаллик, яшчур.

ОҚСИМ I *с. т. айн.* **оқсил** I.

ОҚСИМ II *с. т. айн.* **оқсил** II.

ОҚСИЧҚОН Сувсарлар оиласига мансуб, оқ мўйнали кичкина йиртқич сутэмизувчи ҳайвон ва шу ҳайвоннинг териси, мўйнаси. *Оқсичқон овламоқ. Оқсичқон териси.*

ОҚСОЛАР Мотам муддати (бир йил) ўтиши муносабати билан ўтказиладиган маросим (бунда марҳумнинг яқин кишилари бир-бирларига оқ кийимлик тақдим қиладилар ва мотам либосларини ташлаб, оқ оддий кийимларини киядилар).

ОҚСОЧ 1 *тар.* Бойлар, зодагонлар оиласида ёлланиб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл; чўри. *Холнисонинг онаси Ёрмозор қишлоқлик бир бойнинг эшигида оқсоч эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ойхола ғоят хунук, озғин бир кампир бўлиб, Ёдгорнинг ҳужра оқсочидир.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 *сфт.* Оқ сочли, сочи оқ. *Хайриятки, анави оқсоч профессорнинг ўзи келмагани, бўлмаса, унгаям ҳурматим қолмас эди.* М. М. Дўст, Лолазор. *-Шу ғалваларни биттагина майор бошлаб юрибдими? — деб сўради оқсоч киши.* «Ёшлик».

ОҚСОҚ 1 Оқсаб юрадиган; бир оёғи калта ёки чўлоқ. *Оқсоқ қоровул ундан кўзини олмай, қўлтиқтаёғини тўқиллатганича, зинадан тушди-ю, анҳор кўпригидан берида тўхтаб қолди.* А. Қаҳҳор, Картина. *Жангчилар ҳалиги кичкина, ориқ, юпун оқсоққа «ўртоқ майор» деб мурожаат қилардилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Орқада қолаётган, қониқарсиз, паст даража ёки савиядаги. *Оқсоқ соҳа. Ишнинг оқсоқ томонлари.*

ОҚСОҚЛАНМОҚ Оқсаб, чўлоқланиб юрмоқ. *Унинг [Отабекнинг] оёқ олишида ҳам бир оз оқсоқланиш сезилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Акбарали севинганидан бир оёғида қолган этикни ечиб ташлашни ҳам унутиб, оқсоқлаганича қамишлар оралаб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОҚСОҚЛИК Оқсоққа хос хусусиятларга эгалик; оқсоқ эканлик. *Назокат оқсоқлигимни билса, мендан айнаб қолади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ОҚСОҚОЛ 1 Соч-соқоли оқарган кекса одам; мўйсафид. *Бу оқсоқол кетса, ўрнига ёшроқ қорасоқол келади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *тар.* Илгариги даврда бир ёки бир неча маҳалла ёки қишлоққа бошлиқ бўлган маҳаллий амалдор. *Ҳайъат аъзолари йигирма кун қишлоқ оқсоқолиникида туриб, текширув ўтказдилар.* С. Сиёев, Аваз.

3 Ҳозирги кунда: қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва шаҳарлар маҳалла қўмиталари раиси. *Уни [маҳаллани] обод этиш, тинчликхотиржамликни таъминлаш, катта-кичик тадбирларга бош-қош бўлиш маҳалла оқсоқолининг зиммасида.* Газетадан.

4 *кўчма* Гуруҳ ёки синф бошлиғи. *Олд қаторда ўтирган синф оқсоқолимиз муаллимга бир нима деди.* «Ёшлик».

5 *кўчма* Бирор соҳада кўп ишлаган, меҳнати синган кекса киши; раҳбар. *Эртасига Қамишкапага Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Кексаларга ёки улуғ кишиларга нисбатан ўз тенгқурлари томонидан ишлатиладиган мурожаат шакли.

ОҚСУВ Тоза чучук сув, оқар сув; музлик суви. *Оқсув ичмоқ.*

ОҚСУЯК Эксплуататорлик жамиятида имтиёзли табақаларга, зодагонларга мансуб киши; аристократ. *Хўжалар илгаридан «биз*

араб авлодимиз, оқсуякмиз», деб ўзларини баланд тутиб келади. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОҚСУЯКЛАРЧА *рвш.* Оқсуякларга ўхшаган, оқсуякнамо. *Турмушда ҳам, фикрда ҳам оқсуякларча олифтагарчилик!* А. Мухтор, Асарлар.

ОҚУВЧАН Оқиб -кетадиган, яхши оқадиган. *Эриган чўян оқувчан бўлади ва қолипни яхши тўлдиради.*

ОҚУВЧАНЛИК Суюқликнинг ўз оғирлик кучи таъсирида ёйилиб кетиш хоссаси. *Суюқликнинг асосий хоссаси – оқувчанликдир.* «Физика».

ОҚУРУҒ Қовуннинг пўсти оқиш, уруғи, эти оқ ширин бир тури.

ОҚЧА *айн.* **ақча**. *Оқчалининг қўли ўйнар, Оқчасизнинг – кўзи.* Мақол. ▬ *Тошкандда ямоқчиликдан оқча орттира олмай саргардон юрган Абдулқаҳҳорни олиб келмоқ учун Олимжон Тошканд жўнади.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОҚЧЕЧАК Заранг дарахтининг Ўрта Осиёда учрайдиган гули оқ тури.

ОҚЧИЛ 1 *сфт.* Оққа мойил; оқиш, оқимтир. *Оқчил мато.*

2 *сфт.* Рангсиз, рангпар; оқдан келган. *Шокир.. оқчил юзини қоплаб олган қалин ва узун соқолини тутамлаб.. -Ёши элликдан ошган одамнинг соқолига оқ тушмайдими [деди].* С. Айний, Қуллар.

3 *от* Аёлларнинг жинсий аъзоларидан ажраладиган чиқинди суюқлик.

ОҚЧОР *айн.* **оқчорлоқ.** *Танаффус маҳалида оқчорлар галаси қўнган денгиз ёқасини эслатувчи ҳашаматли мактаб бир зумда тинди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ОҚЧОРЛОҚ Балиқ ва ҳашаротлар билан тирикчилик қиладиган, сув билан боғлиқ қуш; балиқчи. *-Мен умримда денгизни, оқчорлоқни кўрган эмасман.. – деди Аҳмад.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Оқчорлоқлар йўл-йўлакай кемамизга ҳамроҳ бўлишди.* «Ёшлик».

ОҚШОМ 1 Қуёш ботиши билан тун бошланиши ўртасидаги ғира-шира ёруғ пайт. *Қуёш ботган, лекин кун ҳали ёруғ, ҳар ёққа оқшом сукунати чўзилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўнгилни қон қилувчи оқшом қўнди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Кеч, кечқурун. *[Ойсара] Жисман заифлигига қарамай, кўп юмуш қилар, ҳар оқшом ўз болалари билан танча атрофини тўлдириб, китоб ўқир эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўша оқшом Усмонхўжанинг ҳовлисида тонг отгунча чироқ ўчмади, улфатлари хўп кайф-сафо қилишди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

Ярим оқшом Тун, ярим кеча. *Ярим оқшом сержант Орзиқулов ўғли йўғида унинг хонасига кирди.* «Ёшлик». *Ярим оқшом ноз уйқуда ётувдим, икки жувонмаргинг минди тўшима.* «Эрали ва Шерали».

ОҚШОМГУЛ *шв.* Намозшомгул.

ОҚШОМЛАБ *айн.* **оқшомлатиб**. *Бойбўрига билдирмаймиз, оқшомлаб жўнаймиз.* «Алпомиш».

ОҚШОМЛАТИБ Қоронғу тушгандан кейин; кечлатиб. *Хон оқшомлатиб, жияни Абдулкаримни Нурлавойга чақиртирди.* С. Сиёев, Аваз.

ОҚШУВОҚ Оқиш майда баргли, ўткир ҳидли, аччиқ, пояси пишиқ, ингичка ва узун ёввойи ўт (ундан супурги қилинади).

ОҚҚАНОТ Ўсимликлар ривожига зарар келтирадиган майда ҳашарот. *Оққанот ҳашароти эрта кўкламда далага тарқалиб, то кузгача ўсимликларни қийратади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОҚҚОВУН Қовуннинг туси кўкиш-оқ, шакли тухумсимон, ўртапишар, серҳосил нави.

ОҚ-ҚОРА *кўчма* Ҳаётнинг яхши-ёмон, паст-баланд томонлари (инсонга нисбатан ишлатилади). *Маъсума тушунган, оқ-қорани таниган аёл.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. *Равшан мен учун оқ-қорани фарқига етадиган расмана ҳамроҳ.* Қ. Кенжа. Нотаниш гул. *Муҳаммад ҳали ҳам гўдак, ҳали ҳам оқ-қорани танимайдиган болакай.* «Ёшлик».

ОҚҚУВ *айн.* **оққуш.** *Мовий кўллар узра сузса чағалай, Адирларда кезса оққув галалар.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кўк юзида пағa булут, оқ булут.. Бир қарасанг – осмон тўла оққувлар.* Миртемир.

ОҚҚУЙРУҚ Кийикларнинг бир тури. *Орол денгизидаги «Борса келмас» оролида оққуйруқ ва жайранлар заповедниги вужудга келтирилган.* М. Мусаев, Ўзбекистон.

ОҚҚУШ Ғозлар оиласига мансуб, патлари оқ, бўйни узун йирик сув қуши; қув. *Эскидан сақланиб қолган ёдгорлик – оққушлар сузиб юрган кўллару дарахт тагида най чалиб ўтирган йигит-қизларнинг суратлари.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОҚҚЎТОН Узун оёқлилар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб, пати оқ, бўйни ва тумшуғи узун ўлаксахўр йиртқич қуш.

ОҒ Иштон ёки шимнинг икки почаси қўшиладиган жойи, чови.

ОҒА 1 *айн.* **ака.** *Матназар ўз оғасига мўлтираб тикилганча, бетоқат ҳўкизнинг бўйнидаги арқонни тортиб турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ширин уканг келди оғасин излаб, кўрар кўзим, жоним акам, бормисан?* «Ширин билан Шакар».

2 Туғишган акадай яқин, қадрдон киши. *Қўни-қўшни, кичик-катта Оғамларга салом айтинг!* Ҳамза. *[Салимбойвачча:] Сиз ёлғиз поччам эмас, ҳам дўстим, ҳам оғамсиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *тар.* Юртнинг, элнинг каттаси, ҳокими. *Мени билсанг - Қўнғиротнинг оғаси. Бошимда бор эр йигитнинг жиғаси.* «Алпомиш».

Юрт оғаси *айн.* **оға 3**. *Очил ҳовлиқиб хитоб қиларди: -Қўйинг, юрт оғаси, мен ўзим суробини тўғрилайман!* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. *У ўзини юрт оғасидек эркин, сарбаст тутаётган Тешабойнинг мингбоши бўлиб келганми-йўқлигини билишни истар, лекин билолмай тажанг бўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *тар.* Турли лавозим ва унвон номлари таркибига киради, мас. *ҳарам оғаси, эшик оғаси.*

5 Ўзидан катталарга нисбатан мурожаат шакли. *Оға, шу ерни азонлаб ҳайдасак бўлмайдими?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ОҒА-ИНИ 1 *айн.* **ака-ука.** *Овсинлар иноқ бўлса, оға-инилар чиноқ бўлмас.* Мақол. ▬ *Кел, оға-ини бўлайлик. Сенга қиёматлик ака бўлай. Катта тўйлар қилиб, уйлаб қўяман.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Туғишгандек, ака-укадек бир-бирига яқин, қадрдон кишилар. *Ўзбекистонда яшаётган халқлар бир-бирига оға-ини, биродар.*

ОҒА-ИНИГАРЧИЛИК *айн.* **оға-инилик 2.**

ОҒА-ИНИЛАРЧА Ака-укага ўхшаб, ака-укалардек. *Улар оталари бошқа яйловга кўчганини эшитиб, Азизхон билан оға-иниларча хайрлашдилар.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОҒА-ИНИЛИК 1 Ака-укалик, биродарлик.

2 Ака-укалар, оға-инилар ўртасидаги қариндошлик ҳисси ва муносабатлари, оға-иниларнинг бир-бирига оқибати, муруввати.

ОҒАЙНИ Яқин ошна, ўртоқ; дўст. *Оғайни тутинмоқ.* ▬ *Менинг ёшлигимда бирга ошиқ ўйнаб, яхмалак отиб ўсган бир оғайним бор.* Шукрулло, Сайланма.

Етти оғайни *қ.* **етти. Тўрт оғайни** Қамария йил ҳисобида учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ойларнинг (раббиулаввал, раббиуссоний, жумодилаввал, жумодиссоний) умумий номи. **Қирқ оғайни** Атиргулнинг жуда сершох ва сергул бир тури.

ОҒАЙНИГАРЧИЛИК *айн.* **ошна-оғайнигарчилик.** *Ҳозир ўша улфатлар, ўша оғайнилар кўчада кўрса, тескари қараб ўтади. Шуми оғайнигарчилик!* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

ОҒАЙНИЛАШМОҚ Оға-ини бўлиб кетмоқ, ака-укалардек, яқин, қадрдон бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ.

ОҒАЙНИЛИК 1 Оғайни эканлик, дўст эканлик.

2 Оғайнилар, дўстлар ўртасидаги муносабатлар, оғайниларнинг бир-бирига оқибати, муруввати. *У менга оғайнилик қилди.* ▬ *У ёзибди: «Баракалла, ўртоқ шоир, Қани дўстлик, оғайнилик, ҳафсалам пир».* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

ОҒАЙНИЧИЛИК *айн.* **ошна-оғайнигарчилик.**

ОҒАЛИК 1 Оға, ака, ёши катта эканлик, акалик.

2 Оғаларнинг иниларга муносабати, оғаларга хос оқибат, муруввbooking. *Оғалик қилмоқ.* ▬ *Оқсоқол ҳамиша, ёлғиз ўғлимга Хайри оғалик қилади, деб ишонди.* «Ёшлик».

ОҒАЛИҚ *тар.* Бухоро хонлигидаги мансабдор шахс; хон, амир маслаҳатчиси.

ОҒАЧА *тар.* **1** Хон саройи ёки бойлар эшигидаги канизак, хизматкор аёл; чўри.

2 Бой уйғурлар оиласидаги энг кекса хотин.

ОҒДИРМОҚ 1 Оғмоқ 1-3, 6-7 фл. орт. н. *Шамол кемани оғдирди.* ▬ *Эҳтимол, бирортаси Муниснинг йўлига ғов солиб, унинг содда кўнглини ўзи томон оғдиргандир, деб ўйларди Қудрат.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Мамаюсуф болаларнинг ҳаммасини ўз томонига оғдириб олди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 *кам қўлл.* Ҳайдамоқ, етакламоқ. *Чатоқ бобонинг неваралари отарларни Балхияк яйловларига оғдириб кетишди.* С. Нуров, Дурдона.

ОҒЗАКИ 1 Нутқ воситасида қилинадиган, амалга ошириладиган, ёзма эмас. *Оғ-*

заки буйруқ. Оғзаки имтиҳон. Халқ оғзаки ижодиёти. ▬ *Ошно ёзувчи ёки журналист эмаски, кўрган-эшитганларини газетага сотиш олдидан оғзаки пишитиб оляпти, деб ўйласанг.* М. М. Дўст, Лолазор.

Оғзаки жанг *айн.* **даҳанаки жанг** *қ.* **даҳанаки.** *Шу куни кечаси уйимизда оғзаки жанг бўлди.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. **Оғзаки нутқ** *тлш.* Нутқнинг ёзма нутқдан товуш орқали фарқланадиган сўзлашув шакли.

2 *с. т. салб.* Қуруқ расмият учун айтилган; пуч. *Оғзаки гап.* ▬ *Замира оғзаки қуруққина сўрашди, Очил ҳам расмий салом берди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ОҒИЗ I (*3-ш. бирл.* **оғзи**) 1 Икки жағ ўртасидаги, овқатланиш, сўзлаш ёки овоз чиқариш учун хизмат қиладиган бўшлиқ. *Балиқнинг оғзи. Оғиз бўшлиги. Одамнинг оғзи. Яхши гап ҳам бир оғиздан чиқади, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади.* Мақол. *Эл оғзига элак тутиб бўлмайди.* Мақол. ▬ *Йўлчи узумдан бир неча донани оғзига ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Икки лаб ва уларнинг бир-бирига тегиб турган жойи ва атрофи. *Оғзидан ўпмоқ.* ▬ *Гулнорнинг кичкина чиройли оғзи ҳайратдан бир нафас очилиб, кўзлари, «ростми?» деган каби Нурига тикилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Сўзловчи киши, одам. *Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз енгилади.* Мақол. – *Ҳа, баракалла. Шунинг учун бундай гапларни фақат оғизма-оғиз, ўшанда ҳам фақат синалган, ишончли оғиз орқали етказилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Бировнинг қарамоғида бўлган одам; хўранда, нонхўр. *У дув-дув ёш тўкар, қўлларини осмонга кўтариб нола қиларди: -Худовандо! Бу на кўргилик? Энди нетаман? Тўққиз оғизни қандай боқаман?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Баззоз поччанинг бекорчи оғизга тоби йўқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Милтиқ, тўппонча, миномёт, замбарак каби отиш қуролларининг ўқ отилиб чиқадиган тешиги, стволи. *[Йўлчи] Тишини қисирлатиб деди: -Тўпнинг оғзига қўйиб отиб юборинглар мани, қонхўрлар!* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ички бўшлиғи, ичи бўлган нарсаларнинг кириш-чиқиш учун хизмат қиладиган жойи, тешиги. *Ўранинг оғзи. Ғорнинг оғзи.* ▬ *Чайла оғзида қўлида тугун билан Азизхон кўринди.* С. Аҳмад, Уфқ.

7 Идишларнинг нарса олиш-қўйиш учун хизмат қиладиган тешиги. *Шишанинг оғзи.* ▬ *Бўривой оғзига дока ўралган сопол кўзани билагига осиб, биқинига қўйганча Ширинқудуққа борди.* С. Нуров, Нарвон.

8 Кўчанинг, йўлнинг бошланиш, кираверишжойи. *Кўча оғзи.*

Балонинг оғзи Жуда хавфли, қўрқинчли жой. **Беш бармоғини** *(ёки* **панжасини)** **оғзига урмоқ** *қ.* **беш** I. **Бир** *(ёки* **икки)** **оғиз гап** *(ёки* **сўз)** Озгина гап, қисқа гап. -*Сайланганидан бери бир оғиз ҳисоботини эшитганимиз йўқ, – деган гаплар эшитилда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Ширмонжон:] Ашурхон, ишларингизни кейин қиларсиз. Келинг, сиз билан икки оғиз гаплашай, деб келдим.* С. Зуннунова, Олов. **Бир оғиздан** *айн.* **бир овоздан** *қ.* **овоз 7.** *Ўн нафар чашначи бир оғиздан «аъло» баҳо қўйишди.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандачилик. **Гапи (***ёки* **сўзи) оғзида қолди** *қ.* **гап** I **1.** *Болта муаллимнинг гапи оғзида қолди. Тоғайга олайиб қаради.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. **Гапи оғзидан тушиб кетадиган** Гапини эплаб гапиролмайдиган; ношуд, ландавур. **Гапи оғзида қолмоқ** Гапини охиригача етказолмай қолмоқ, чала гапирмоқ. *Азизхоннинг гапи оғзида қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Гапини** (*ёки* **сўзини) оғзидан олмоқ** *(ёки* **илиб кетмоқ)** *қ.* **гап** I **1. Дарвоза оғзи** *тар.* Шаҳар, қалъа дарвозаси ёки умуман дарвоза яқинидаги жой. *Назарида, худди шу дарвоза оғзида велосипед устаси бордай бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Катта оғиз** *ёки* **оғзи катта** Унча-мунчани писанд қилмайдиган; катта гапиришга ўрганган; мақтанчоқ. *Отасининг давлати, катта оғиз, ҳовлиқма ва такаббур онасининг эркалаши қўшилиб, қизга ортиқча ғурур берган, ҳаракатларига ўзбошимчалик, қилиқларига ноз-карашма бағишлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **«Олма пиш, оғзимга туш», деб ўтирмоқ** Ишни тезроқ бажариш учун жон куйдирмаслик, ўзи бўлар, деб бепарво ўтираверишш. *Ўзлари ҳам олма пиш, оғзимга туш, деб қўлларини қовуштириб ўтиравермасинлар-да, ахир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Она сути оғзига келмоқ** Жуда кўп уринмоқ, қийналмоқ, машаққат чекмоқ. *Бу атласларни Отабойдан ундиргунча нақ Қўзибойнинг она сути оғзига келди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. **Оғзи бема-**

за *қ.* **бемаза 4. Оғзи билан иш битирадиган** Ишни осон фаҳмлайдиган, ҳар қандай ишни гап билан битирадиган. **Оғзи билан юрадиган** Ёмон гап тарқатадиган; ғийбатчи. **Оғзи бормайди** *айн.* **тили бормайди** *қ.* **тил 2. Оғзи ботир** *қ.* **ботир 1. Оғзи бузуқ** *(ёки* **ёмон**) *айн.* **оғзи шалоқ** *қ.* **шалоқ 3. Оғзи бўш(лик)** *қ.* **бўш**. *Севаргул чой қуйиб узатаркан, оғзи бўшлик қилиб қўйганига кўнглида пушаймон бўлди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. **Оғзи куйган** Панд еган. *Оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади.* Мақол. ▬ *Тўғриси, бу ишни у [Йигитали] ҳеч кимга, ҳатто Сафарбаровга ҳам ишонмади. Чунки бу борада унинг неча марта оғзи куйган.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Оғзи очилиб қолмоқ** Ҳайрон бўлиб, ҳуши кетиб қолмоқ, ҳанг-манг бўлмоқ. *Хола лабини буриб, атрофда оғзи очилиб қолган аёлларга ҳайрат билан бир-бир қараб чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Эшитиб, Ғузордагиларнинг оғзи очилиб қолади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Оғзи очиқ** Рўза тутмаган киши; кўза. **Оғзи қулоғида** (*ёки* **қулоғига етди**) *с. т.* Жуда хурсанд бўлди, суюнди. *Тўранинг оғзи қулоғида, кўнгли нимадандир таскин топган эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ғуломжон.. оғзи қулоғига етиб куларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Оғзига кучи етмаган** *қ.* **куч. Оғзига сиққанича** Кўнглига келганича, хоҳлаганича (ошириб). *Ҳар ким ўз қаҳрамонлиги ҳақида оғзига сиққанича сўзлай бошлади.* «Латифалар». **Оғзига (***ёки* **оғзи**) **тегди** Ейиш, ичишга муяссар бўлди; еди, ичди, етишди. *Шу ерда туриб янги апельсинга ҳали оғзим теккани йўқ.* С. Аҳмад, Юлдуз. **Оғзига урмоқ** 1) сўзлаш учун йўл қўймаслик, сўзлатмай қўймоқ. *У-бу дейдиган одамнинг оғзига уриш керак. Ким нима деса, мен ҳамма вақт оғзига ураман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) *айн.* **оғзини мойламоқ.** *Тўраларнинг оғзига уриш учун пулни бойвачча беради. Мандан нима кетади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Оғзига қарамоқ** *(ёки* **тикилмоқ)** 1) сўзини диққат билан тингламоқ. *Сидиқжон юзларча киши оғзига қараб турган мажлисни кўз олдига келтириб, жуда катта ташвишга қолди-ю, дами ичига тушиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) бировдан бирор гап кутмоқ, бировнинг бирор нарса дейишини пойламоқ; 3) бировнинг гапига қараб иш тутмоқ. *Заводда ишлайдиган мингдан ортиқ эркак, шулар қатори эри ҳам ўшанинг [Кароматнинг] оғзига қарайди.* А. Қаҳҳор, Қизлар. **Оғзига қаратмоқ** Гапириб бошқаларнинг диққатини ўзига жалб қилмоқ. *Умуман, Аъзамжон бошқаларни оғзига қаратишни яхши кўрарди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оғзига қоқмоқ** *айн.* **оғзига урмоқ 1. Оғзидагини** (*ёки* **оғзидаги ошни) олдирмоқ** *қ.* **олдирмоқ. Оғзидан гулламоқ** *қ.* **гулламоқ** II. **Оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатадиган** Ҳеч нарсага ақли етмайдиган, анқов. **Оғзингга ёғ** (*ёки* **мой**) Бирор яхши хабар келтирган кишига миннатдорлик билдириб айтиладиган ибора. *Вой, оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам бормикин!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Оғзингга қараб гапир!** *қ.* **гапирмоқ 1.** *Оғзингизга қараб гапиринг, тасқара бўлиб нима қипти!* С. Зуннунова, Олов. **Оғзингдан чиқарма** Ҳеч кимга айта кўрма. *Бўлар иш бўлипти, энди ҳеч кимга оғзингдан чиқарма.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Оғзини мойламоқ** (*ёки* **ёғламоқ)** *қ.* **мойламоқ. Оғзини пойламоқ** *айн.* **оғзига қарамоқ 2.** *Кампир ҳамон келиннинг оғзини пойлади, лекин келиндан ҳеч бир ҳасрат қиладиган гап чиқмади.* Ойдин, Мардлик – мангулик. **Оғзининг суви келмоқ** Бирор нарсани кўриб, жуда ҳаваси келмоқ, егиси ёки ичкиси келмоқ; кўнгли суст кетмоқ. **Оғзининг таноби қочмоқ** Жуда хурсанд бўлмоқ, суюниб кетмоқ; илжаймоқ. *Тўпанисо, ўзи ҳақидаги мақтовга келганда, оғзининг таноби қочиб: -Мен нима қилибман?.. Менда нима гап?.. Ҳеч-да,– деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Оғиз бирлик** Аҳиллик, иноқлик. *Давлат – оғиз бирликда.* Мақол. **Оғиз боғлар** *шв. этн.* Тўй қилиш ҳақида қиз томоннинг розилигини олиш, унаштириш маросими, фотиҳа. **Оғиз жуфтламоқ** Гапириш учун тайёрланмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Опа бир-икки марта гапга оғиз жуфтлади-ю, гапиролмади.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оғиз кўпиртирмоқ** *қ.* **кўпиртирмоқ. Оғиз очмоқ** 1) гапирмоқ, сўзлай бошламоқ. *Мулла Абдураҳмон яна оғиз очолмади. Чунки Сафар бўзчи «китоб сўзи» билан уни енгиб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) *дин.* шом пайтида бирор нарса истеъмол қилмоқ, рўзани очмоқ (рўза тутган кишилар ҳақида). **Оғиз солмоқ** Бировнинг қизини келинликка ёки ўғлини куёвликка сўрамоқ, сўратмоқ. *Энди кимга оғиз солсанг, ғиринг демай тегиши аниқ.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Тўғри сўзлаб, мен гапирдим юзингга, Оғиз солдим уйда турган қизингга.*

«Ёдгор». **Оғизга олмоқ** 1) емоқ, ичмоқ. *Асли мени [ичишга] хўжайин ўргатди. Илгари бир қатра оғзимга олмас эдим.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бирор гапни гапирмоқ, айтмоқ; 3) бировнинг номини айтиб эсламоқ, йўқламоқ. *Орада бир неча кун ўтди — Муҳаммадражаб жим, Мирзамуҳиддинни оғзига ҳам олмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Оғизга тушмоқ** Ҳамма ерда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолмоқ, гап бўлмоқ; танилмоқ. *Абдумаликнинг асарлари Москвадаги санъатшунослар орасида ҳам ростмана оғизга тушди.* «Ёшлик». *Мен бу сирни шу чоққача ичимда сақлаб келаётган эдим, энди айтмасам бўлмайди, чунки бу миш-миш оғизга тушиб бораётипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Оғизда** Фақат тил учида, шунчаки; юзаки. *Айниқса бу колхозда мусобақа оғизда, қоғозда.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Оғиздан оғизга кўчмоқ** (*ёки* **ўтмоқ)** 1) бир авлоддан иккинчи авлодга оғзаки равишда ўтиб келмоқ. *Ўзбек халқ эртаклари оғиздан оғизга ўтиб, асрлар бўйи сақланиб келмоқда. Қимматбаҳо тошлар ҳақида қадим замонларда тўқилган ғаройиб афсоналар ҳамон оғиздан оғизга ўтиб келади.* «Фан ва турмуш»; 2) одамлар орасига тарқаб кетмоқ, гап бўлмоқ. *Йўлдош ота келаётибдилар, деган гап оғиздан оғизга ўтди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Оқсоқолнинг қандай ажойиб томошаларни кўргани, қандай меҳмонхонага тушгани тўғрисидаги гаплари қулоқдан қулоққа, оғиздан оғизга ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Эллик оғиз гап** *(ёки* **сўз**) Кўп гап, эзмалик. *Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор.* Мақол.

ОҒИЗ II (*3-ш. бирл.* **оғизи**) Янги туққан сигирнинг уч-тўрт кунли сутини йиғиб пиширилган пишлоқсимон таом. *Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сигирнинг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сийлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Биринчи сут — оғиз бўлади, Седанадан мағиз бўлади.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

Оғиз сути Янги туққан сигирнинг хом сути.

ОҒИЗ-БУРУН Оғиз ва бурун. *Оғзи-бурнини қоп-қора қон қилмоқ.*

Оғиз-бурун ўпишмоқ *салб.* Жуда иноқ бўлиб кетмоқ, топишиб олмоқ. *Бойлар, катта ер эгалари, амалдорларнинг ҳаммаси бирбири билан оғиз-бурун ўпишган.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. **Оғиз-бурнини мойламоқ** *айн.* **оғзини мойламоқ** *қ.* **мойламоқ.** *Хумпарнинг оғзи-бурнини мойлаб, қўлга олиб бўлмасмикин?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОҒИЗЛИК *шв. айн.* Сувлиқ.

ОҒИЗМА-ОҒИЗ *рвш.* Бир-бирига айтиш, хабар қилиш йўли билан, оғиздан оғизга ўтиб ёки ўтказиб. *Ҳа, баракалла. Шунинг учун бундай гаплар фақат оғизма-оғиз.. етказилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ови бароридан келган кишининг қилган иши дарҳол оғизма-оғиз бутун қисмга тарқалди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ОҒИЛ Уй ҳайвонларини сақлаш ва боқиш учун қурилган махсус бино; молхона, оғилхона. *Мен оғилдаги устунга бойлоғлигича қолиб кетган чилвирдан кесиб келдим.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Мирҳомидхўжа оғилнинг эшигини секин ёпди-да, имо билан Қамбаралини бир чеккага чақирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОҒИЛХОНА *айн.* **оғил.** *Аҳмад бригадир ўтни ўроқ билан дасталаб, қўлтиқлаганча оғилхонага кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОҒИР 1 Вазни катта бўлган, тош босадиган; вазнли, вазмин. *Оғир юк. Оғир от. Юки оғир арава. Оғир вазнли курашчи. Олтин кумушдан оғир. Оғир тошни сув элтмас.* Мақол. ▬ *Яна жимлик ҳукм сурди. Бу сукунат оғир тегирмон тоши бўлиб, мулла Норқўзини янчиб юборди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Бойвачча кавакчадан чўп тиқиб, занжирни туширди, каттагина оғир дарвоза «ғурр» этиб очилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оғир сув *ким.* Водород изотопи дейтерийнинг кислород билан бирикмаси.

2 Кўп куч ёки билим талаб қиладиган; қийин, мураккаб; машаққатли, сермашаққат. *Оғир иш.* ▬ *У [Йўлчи] ҳар хил оғир юмушларни қилиб ўрганган бўлса ҳам, тўнка ковламаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шундай қилиш керакки, халқнинг пешона тери билан, оғир меҳнати билан чиқариладиган сув битта ё бир неча балохўр қўлига ўтиб кетиб қолмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу савол аввалги иккита саволдан оғирроқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Мушкул; масъулиятли. *Оғир масала.* ▬ *-Баҳор-да, қизим, бундан буён кун исийверади, — қизини оғир ҳолатдан чиқаришга тиришди она.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Эл-*

муродга машғулотлар оғир туюлмади. Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Йил оғир келди-ю, бригадир шийпонда тунаб қоладиган бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Салмоқли, салобатли. *Ғўлабирдан келган, қоп-қора, семиз киши оғир юриб, даврага чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳовли ичкароқ бўлганидан, ҳамма ухлаб қолганидан, дарвозанинг оғир гумбурига ичкаридан ҳеч ким чиқмади.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Бунисини қўяверинг, қори, худо ишингизни ўнгласа, ҳеч гап эмас, гард юқтирмай чиқиб кетасиз,* — *деяр эди оғир, салмоқли товуш.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Секин, шошмасдан қилинган; босиқ, вазмин. *Оғир қадам.* ▬ *Қора терга тушиб, ҳассасига таяниб қолган домла уфқдан кўзини олиб, оғир бош чайқади.* М. Мансуров, Ёмби. *Ғуломжон бошини оғир кўтариб, уста Баҳромга қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 *кўчма* Ўзини тута биладиган; сипо, вазмин, босиқ. *Аминжон, ўзи ёш бўлса ҳам, жуда пишиқ, оғир, ғайратли.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Камтар ва камсухан, гўзал Искандаро қулоқ солиб, жиддий ва оғир ўтирарди.* Ойбек, Нур қидириб.

Оғир бўл Ўзингни бос, сабр қил. *Одамлар Тожибойни тартибга чақиришиб чуғурлашди: «Ҳа, ҳа, бир оз тишни тишга қўйиш керак». «Ҳа, сал оғир бўлинг».* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 *кўчма* Муайян меъёри бузилган, меъёрга, талабга жавоб бермайдиган. *Хонанинг ҳавоси оғир: чанг, овқат, тамаки ҳидлари бир-бирига аралашиб-қуралашиб кетганди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

8 *кўчма* Ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган; жиддий, хавфли. *Оғир жароҳат. Оғир дард.* ▬ *Отаси оғир касалликдан сўнг вафот этди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. У *[Элмурод] ҳеч нарсани билмас, аҳволи оғир эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. У *[Салтонбу] шундай бақириб юбордики, уй бурчида оғир ётган ўн уч яшарли.. қизи чўчиб кетар, деб ҳам ўйламади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

9 *кўчма* Ташвиш, иқтисодий муаммо. *[Ҳаким:] Ҳам ишлаб, ҳам ўқийман, акамга оғирим тушмасин.* «Ёшлик».

Оғирини енгил қилмоқ Бировнинг мушкулини, муаммосини осон қилмоқ, унга ёрдам қилмоқ. -*Холбой бойнинг рўзғорига бўлишиб, унинг оғирини енгил қилиб турганлиги учун уйли-жойли бўлиб олди.* К. Яшин, Ҳамза.

10 *кўчма* Машаққатли, уқубатли, азобли; мураккаб, мушкул. *Оғир кун. Оғир ҳаёт.* ▬ *Элмурод оиласи ва ўзининг оғир ўтмишини қисқача тасвирлаб келиб, охирида шундай деган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отамурод узоқдан бўлса-да, сезди: бошлиқ оғир аҳволда қолибди.* М. Мансуров, Ёмби.

11 *кўчма* Қаттиқ жазолашни талаб қиладиган, жуда катта. *Оғир гуноҳ. Оғир жиноят.*

12 Нотинч, ташвишли, ҳаяжонли. *Оғир туш. Оғир хаёл. Оғир ўй.* ▬ *Чолнинг юрак яраларини очишда ўзини айбли санаган Йўлчининг кўкраги оғир туйғулар билан тўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

13 *кўчма* Қаттиқ тегадиган, хафа қиладиган, кўнгилсиз; малолли. *Раиснинг уни кўриб, худди кўрмагандай ёнгинасидан машинасида кўчани чангитиб ўтиб кетиши унга оғир тегди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Қамбар бирдан кулиб юборди. Унинг кулиши Йўлчига оғир тегди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўнглига оғир олмоқ *қ.* **кўнгил. Оғир ботмоқ** 1) хафа қиладиган, малолли. *Назаров эшитдингизми, дегандай қараш қилди. Назаровнинг шу боқиши Шербекка оғир ботди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) ҳазм бўлмаслик (овқатга нисбатан). *Бу хил паловларни ёш гўдаклардан тортиб қарияларгача ва ҳатто беморлар ҳам истеъмол қилса, оғир ботмайди.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик. **Оғир гап** 1) малол келадиган, қаттиқ тегадиган гап; 2) ҳал қилиш қийин бўлган масала; 3) кўнгилсиз, ачинарли воқеа.

14 *кўчма* Ҳаддан зиёд, киши бардош беролмайдиган; қаттиқ. *Оғир алам. Оғир жудолик. Оғир кулфат. Оғир мусибат.* ▬ *Инсон ҳаётидаги энг оғир қайғу - онадан айрилиқ қайғуси.* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Энди билдим, ошиқлик оғир дард экан. Бошимга тушганда билдим,* — *деди [йигит]* П. Турсун, Ўқитувчи.

15 *кўчма* Қаҳратон, совуқ, ташвишли. *Воҳа раҳбари саволни кутмаган экан, дабдурустдан довдираб қолди, сўнг шошиб: -Тўғри, устод, бу йил анча оғир қиш бўлди — деди..* М. М. Дўст, Лолазор.

16 *кўчма* Куч келадиган, қийин; дардли. *Оғир нафас. Оғир энтикмоқ.* ▬ *Зиёдилла кетгандан кейин Ботирали бешик тебратиб*

ўтирган хотинининг ёнига чўкиб, оғир уф тортди. Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қизил қонига бўялган қаҳрамон пулемётчи оғир нафас олмоқда эди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

17 *кўчма* Мунгли, ғамгин, қайғули; салмоқли, вазмин. *Оғир сукунат.* ■ *Оғир, юракни эзувчи куй шамоллар қанотида у ёқдан бу ёққа сузиб юрибди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Оғир артиллерия Узоққа отадиган катта тўп ва замбараклар. **Оғир карвон** *қ.* **оғиркарвон.** *-Йўқ, менга сира ўхшамайди,— деди Шарофатбиби шикоятланган оҳангда. — Оғир карвон у.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Оғир кўчмоқ** Қийинчилик билан ҳал бўлмоқ (бирор иш ёки масала ҳақида). **Оғир оёқ** *қ.* **оёқ.** *Икромжоннинг кўнгли нотинч. Хотинининг оғир оёқ бўлганидан хаёли қишлоқда, уйида эди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оғир саноат** *айн.* **оғир индустрия** *қ.* **индустрия. Тарбияси оғир** Хулқи яхши бўлмаган. *Бўлғуси педагоглар, тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш каби масалалар устида иш олиб борадилар.* «Фан ва турмуш». **Қулоғи оғир** Гапни яхши эшитмайдиган, қарроқ; кар. *Қулоғи бир оз оғир, товушни бирмунча кўтариброқ гапиришга тўғри келди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Ҳавоси оғир жой** Ҳавоси бузилган, нафас олиш қийин бўлган жой.

ОҒИРБЎЙ *шв. айн.* **оғир оёқ** *қ.* **оёқ.** *Озодахон оғирбўй бўлишига қарамай, югуриб-елиб чой дамлади.* Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

ОҒИРКАРВОН Шошмасдан, бамайлихотир иш қиладиган; секин қимирлайдиган, имиллаган; сусткаш. *Солижон — йигирма ёшлардаги дароз, оғиркавон, камгап йигит.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Самад Ғайбаровнинг галатепалик бир тўпори эканидан хабарсиздек, манави оғиркарвон қизни кўриб, кулмаслигини истайди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОҒИРЛАТМОҚ Юкини ёки вазнини оширмоқ; оғирлаштирмоқ.

ОҒИРЛАШМОҚ 1 Вазни, оғирлиги ошмоқ, оғирроқ бўлиб қолмоқ, оғир тортмоқ; вазминлашмоқ; кўпайиб бормоқ. *Ёғоч бўкиб, анча оғирлашди. Машинанинг юки оғирлашиб кетди.* ■ *Қордан кичкина юмалоқ ясаб, думалата-думалата, ўз бўйларидан баланд катта курра ясаганлар. У жуда оғирлашган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Тобора машаққатли бўлмоқ. *Ботиралининг хаёли унинг елкасига оғир юк бўлиб тушди ва бу юк кундан-кун оғирлашарди.* «Ёшлик».

3 Қийинлашмоқ, мураккаблашмоқ. *Иш оғирлашди.*

4 Оғир тортмоқ, мушкуллашмоқ. *Беморнинг нафас олиши оғирлашди.*

5 Моддий жиҳатдан ночор ҳолга тушиб қолмоқ; машаққатли, уқубатли бўлиб қолмоқ. *Аям ўлгандан кейин аҳволимиз яна оғирлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Замон оғирлашиб кетганмиш, нима қилай, қон ютиб ўтирибман.* Т. Малик, Иблис девори.

6 Ноқулай, қийин бўлиб қолмоқ. *Энди қизининг олдига кириб, унинг бетига қараш унга [қутидорга] жуда ҳам оғирлашган эди, чунки бу фожианинг бош омили деб ўзини таниган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Хавфли тус олмоқ, хавфли, хатарли бўлиб қолмоқ, жиддийлашмоқ. *Аҳвол борган сари оғирлашди. Погодин қўшинлари ярим ҳалқа ичида қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Бойларнинг чақиғи билан Йўлчининг иши оғирлашди,— деди Шокир ота.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 Кучаймоқ, зўраймоқ, тузалиши маҳол бўлиб қолмоқ. *Бемор кундан-кунга оғирлашяпти.* ■ *Фазилат опанинг аҳволи оғирлашиб борарди. Ранги сарғайиб, озиб чўп бўлиб қолди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

9 Ошмоқ, кучаймоқ. *Жиноятлари оғирлашди. Жазо чоралари оғирлашди.*

10 *кўчма* Гангиб қолмоқ, ўзини ёмон ҳис этмоқ. *Киши дардини англатолмаса оғирлашади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Қотмадан келган Смирнов бу сўзларни эшитгач, оғирлашиб кетгандай бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Боши (*ёки* **калласи**) **оғирлашмоқ** Боши гангимоқ, ғовлаб кетмоқ; ўзини бошқара олмай қолмоқ. *Чинни коса беш-олти бор қўлдан қўлга ўтгандан кейин, ҳар икковининг ҳам боши хийла оғирлашиб, кайф ғалаба қила бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Елкасининг офтобда куйган жойлари ачишар, боши оғирлашиб, ёстиқдан бош узолмасди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОҒИРЛИК Вазннинг ортиқлиги; қийинлик, мушкуллик. *Ишнинг оғирлиги. Масаланинг оғирлиги. Аҳволнинг оғирлиги. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.* Мақол. ■ *Карвон жўнади. Юкнинг оғирлигиданми, ёки гупчаклари ёғсираганданми, аравалар ғирчиллаб,*

ўз музикаси ўзи билан жадал бормоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тошкентдан уйланганимдан сўнг, ёлғиз бошимга ҳам Тошкентдан, ҳам Марғилондан икки хотин ушлаб туриш оғирлик қила бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Калланг оғирлик қиляптими Жонингдан умидинг йўқми, ўлгинг келяптими.

2 *физ.* Жисмларнинг ерга тортилиш кучи.

3 *кўчма* Ташвиш, малоллик. *Сизларга оғирлигим тушаётгани йўғу.. Уйда нима бор менга?* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ҳар куни эрталаб ишга кетаётганингда, [болани боғчага] элтиб қўясан, қайтганингда — олиб кетасан. Шундоқ қилсанг, ўзингдан бошқа ҳеч кимга оғирлиги тушмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

[Бировга] оғирлигини ортмоқ 1) бировга осилмоқ, устига чиқиб (миниб ёки опичлаб) олмоқ; 2) *кўчма* боқинди, қарам бўлиб олмоқ, ўз ташвишини бировнинг зиммасига юкламоқ. *Мунаввар, Йўлдошга оғирлигини ортмаслик учун, ўзига иш ҳам топди: туғруқхонага доя бўлиб кирди,* С. Анорбоев, Меҳр.

4 *кўчма* Мушкул, қийин, ноқулай аҳвол; қийинчилик; азоб-уқубат. *Сокинанинг бир ўзига икки бола билан юриш оғирлик қилади.* М. М. Дўст, Лолазор. *Момо у кунларнинг оғирлиги, ташвиши ҳақида кўпам сўйлайвермайди.* «Саодат». *Улар бир-бирларига қарашиб, илжайишдилар. Нигор ойим ҳам оғирликдан чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

5 *кўчма* Ўзини тута билиш, сиполик; босиқлик, вазминлик. *Кимнинг номуси, кимнинг ақли, кимнинг сабри, оғирлиги уни шармандаликдан қутқариб қолди?* Ойбек, Танланган асарлар. *Ботирали оғирлак билан онасига қаради.* «Ёшлик». *У, қўлларидаги нарсаларни стол устига қўйгач, оғирлик ва босиқлик билан Турсун хола ёнига борди.* Газетадан.

Ўзини оғирликка солмоқ *ёки* **оғирлик қилмоқ** Ўзини босмоқ, ўзини қўлга олмоқ, сабр қилмоқ. *У ўзини оғирликка солиб, хотинининг бош-кўзини силади, эркалатди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. *Юраги орқасига тортиб кетган Жўмард ўзини оғирликка солди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

ОҒИРОЁҚ (*тўғриси* — **оғир оёқ**) *с. т.* Ҳомиладор. *Тоғай оғироёқ хотинларга хос сусткашлик билан ўчоқ бошида куймаланиб юрган Марҳаматга эътибор бермади.* «Ёшлик».

ОҒИРСИНМОҚ 1 Оғир, қийин деб билмоқ.

2 *айн.* **оғринмоқ.**

ОҒИРЧИЛИК Қийинчилик, оғир, мушкул аҳвол; машаққат. *Оғирчилик кўрган одам.* ▬ *Ўғлингни тирик етим қилма. Боланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса, устингга ол.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улар ҳар қанча оғирчиликка чидаб, бирлашишлари керак.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОҒИШ 1 Оғмоқ фл. ҳар. н. *Нурнинг турли муҳитларда турлича оғиши.* ▬ *Ҳар қандай ионнинг оғиш бурчаги унинг бир қанча параметрларига, жумладан, массасига боғлиқ бўлишини инглиз физиги Ж. Томсон кашф этган эди.* «Фан ва турмуш».

2 *махс.* Меридиан чизиғи билан компас стрелкаси йўналишлари орасида ҳосил бўладиган бурчак. *Магнит стрелкасининг оғиши.*

Орамизда оғишимиз бор *шв.* Бир-биримизга ўтишганимиз бор, бир-биримизда қарзимиз бор.

ОҒИШМАЙ 1 Оғишмоқ фл. рвдш.

2 *рвш.* Изчиллик билан, иккиланмасдан, чекинмасдан. *Ҳукуматимиз ўзининг тинчликсевар сиёсатини оғишмай амалга ошириб келяпти.* «Фан ва турмуш».

ОҒИШМОҚ 1 Оғмоқ 3, 6 фл. бирг. н. *Улар тўғри йўлдан оғишмади. Ота-она келин томон оғишди.* ▬ *[Отабек] Онасининг нима бўлса ҳам Марғилон тарафга оғишганини ва ўзининг кучли бир душмандан қутулаёзганини.. пайқади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор томонга қийшаймоқ, оғмоқ. *Дунё ўқи горизонтга оғишган ва шунинг учун ёриткичлар осмон гумбазининг жанубий томонида ҳаммадан баландроқ кўтарилади.* «Астрономия».

3 *кам қўлл.* Бирор томонга юрмоқ, йўл олмоқ, ўтмоқ. *Ҳомид ўзининг нажот томонига оғишганини сезиб энтикди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *шв.* Алмашмоқ, адашмоқ, ўзгармоқ. *Кийимлари оғишиб қолибди.*

5 *шв.* Ўзаро олди-берди қилиб, бир-бирига қарздор бўлмоқ, ўтишмоқ ёки ўтишган қарз-қурзларини бир-бирига тўлаб, орани очиқ қилмоқ. *Шуни айтаётибман-да! Қий-*

налиб қолманг, менда бор, бериб турай, кейин оғишиб кетармиз. Уйғун, Сўнгги пушаймон.

ОҒИШТИРМОҚ Оғишмоқ 1, 3, 4 фл. орт. н. *Чўпон подани қирнинг у томонига оғиштирди.* ▬ *[Хушрўй] Ҳафта, ўн кун ўтмасдан, эрини ўз томонига оғиштириб, кундоши ёнига киргизмаёқ қўядир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОҒМА 1 *с. т. айн.* **оғмачи 1.**

2 *мат.* Бирор тўғри чизиқни 90°дан кичик бурчак ҳосил қилиб, кесиб ўтадиган иккинчи тўғри чизиқ. *Оғма призма. Оғма цилиндр.*

3 *сфт.* Ўтиқ, қия. *Оғма минора.*

ОҒМАХОН Ғалла ўсимликларига зарар келтирувчи, каламушдан каттароқ кемирувчи ҳайвон.

ОҒМАЧИ 1 Бир гапда турмайдиган, ҳадеб айнийверадиган иродасиз одам, иккиланувчи; иккиюзламачи. *Оғмачи камбағалларимизнинг оғзини мойлашяпти тулки бойлар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *сиёс.* Бош йўлдан чекинувчи, четга чиқувчи, оғувчи. *Ўнг оғмачилар. Сўл оғмачилар.*

ОҒМАЧИЛИК Оғмачига хос хусусиятга эгалик.

2 *сиёс.* Бош йўлдан чекиниш, четга чиқиш, оғиш. *Ўнг оғмачилик. Сўл оғмачилик.*

ОҒМОҚ 1 Бирор томонга ётиб, қия ҳолат олмоқ, қийшаймоқ, энгашмоқ, ёнбошламоқ. *Кема ўнг томонга оғди. Девор оғиб қолди.* ▬ *Ортиқ сўзлай олмади, боши бир томонга оғиб тушди-ю, жим бўлди – жони узилган эди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Анисимов ҳамиша деворни оғган томонга йиқитади.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

2 Бирор томонга, пастга сирғаниб, осилиб тушмоқ. *Қоринбоғ бўшаб, отнинг эгари чап томонга оғиб кетибди.*

3 Тўғри, тик йўлдан ёки белгили йўналишдан четга чиқмоқ. *Самолёт курсдан оғди.*

4 Бурилмоқ, четга чиқмоқ; бирор томон силжимоқ. *Яхшибоев гап мавзуси четга оғиб кетганини сезди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бек ака бошини кафтлари орасига олди: -Бебурд бўлиб қолдим чоғи ёшим оғиб!* С. Нуров, Нарвон.

5 Бўлинмоқ, чалғимоқ (ўй-хаёл, диққат-эътибор ҳақида). *Бирдан диққати оғиб, уларга қулоқ тутди.* «Шарқ юлдузи».

6 *кўчма* Тўғри йўлдан адашмоқ, четга чиқмоқ, тоймоқ; бирор сиёсий оқимдан, маслакдан тоймоқ, қайтмоқ. *Менимча, ўртоқлар, Қўчқоров партия йўлидан оғиб, ёт унсурлар таъсирига тушиб қолган одам.* С. Анорбоев, Оқсой.

7 Бирор томонга йўналмоқ, қарамоқ (кўз ҳақида). *Ҳожи хола, Тўрахоннинг хаёлчан кўзларига қараб олиб, жавоб кутди. Жувон кўзлари секин ерга оғди: «Розиман».* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Раънонинг ерга қараган кўзи секингина Анварга кўтарилиб, яна ерга оғди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

8 Энг юқори нуқтадан, зенитдан ўтмоқ (Қуёш, Ой ва юлдузлар ҳақида). *Қуёш кунботарга оғиб, соялар чўзилиб қолган бўлса ҳам, тепалар ҳамон офтоб селида жимирлаб ётарди.* М. Мансуров, Ёмби. *Уфққа оққан қуёш кўкни тутган тутун.. орасидан гўё қора шиша орқали кўринганга ўхшайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

9 Маълум бир муддатдан, пайтдан ўтмоқ, ошмоқ. *Вақт ярим кечадан оққан эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Кун асрдан оғиб, шомга яқин қолган, шунинг учун гузардаги дўконлардан очиғи уч-тўртта.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кун оғди Кундузнинг ярмидан кўпи ўтди, кеч кира бошлади. *Кун оғиб, ерга соя тушиши билан Ҳамро опанинг юраги питирчилаб қолди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. **Тун оғди** Кечанинг ярмидан кўпи ўтди, ярим кечадан ошди. *Тун оққач, батальон келди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

10 *кўчма* Бирор томонга ўтмоқ, унга мойил бўлмоқ ёки ён босмоқ. *Бирон эътиборлироқ одам закон [қонун] сўқиб қолса, дарров ўша томонга оғиб кетишарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бу замонда кимнинг жин чақаси кўп бўлса, одамлар ўшанга оғади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саломат қақшоқ ўгай она билан чиқишолмади. Ҳар кун жанжал, эшитмаган гапи, емаган турткиси қолмади. Ота ҳам суюкли хотин томонга оғиб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Боши оғиб Фалакнинг гардиши билан; беихтиёр, ўйламай-нетмай, боши айланиб. *Боши оғиб келиб қолди.* **Боши оққан томонга кетмоқ** *қ.* **бош.** *Нусратдек вужудини чулғаган паришон кайфиятдан фориғ бўлиш учун бирдан боши оққан томонга кетиш ишқига тушди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Кўнгли оғмоқ** 1**)** мойил бўлмоқ, муҳаббат қўймоқ. *Қизинг, туркман элдан биров топибди, Қизинг кўнгли шу туркманга оғибди.*

«Равшан»; 2) *айн.* **эси оғмоқ 1. Эси** (*ёки* **ҳуши) оғмоқ** *ёки* **эсидан** (*ёки* **ҳушидан) оғмоқ** 1) эс-ҳушини йўқотиб қўймоқ, маҳлиё бўлиб қолмоқ. *Мен, эсим оғиб, унинг оғзига тикилганимча, қимирламай ўтириб қолдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир; 2) ақлдан озмоқ. *Адолатнинг бир нуқтага тикилган кўзларига қараб қўрқиб кетди: эсидан оғиб қолса-я! Ҳали бу кўргулик ҳам бормиди унга.* С. Зуннунова, Гулхан. *Ҳафизанинг бирдан ранги оқариб, гўё бошига юз пудлик гурзи тушгандек, эси оғиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОҒОЗ [*ф.* آغاز – боши, аввали, бошланиш жойи; бошлаш, киришиш]: **оғоз қилмоқ** (*ёки* **этмоқ, айламоқ)** *эск. кт.* Бошламоқ, (бажаришга, ижро этишга) киришмоқ. *Доя фақирни ердан олиб, йўргакламоқчи бўлганида, камина чирқираб, гиря оғоз қилиб, асло йиғидан тўхтамағанимдан, падар сезибдиларки, фарзандлари бежиз эмасдир.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ОҒОЧ *кт.* **1** *айн.* **дарахт.** *Олма оғочи.* ▬ *Кўм-кўк оғочларнинг қалин шохида Қанотли куйчилар сайрашда эди.* Миртемир.

2 *эск.* Ёғоч, хода. *Йигит чирик оғочлар тирқишидан пастга қаради.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Дўконга бир шайтони лаин оғоч қоқиб қўйибди-ку, энди нетиб очдим?* «Ёшлик».

ОҒРИМОҚ 1 Касал бўлмоқ, бирор касалликка йўлиқмоқ, дардга чалинмоқ. *Ишламай еган, оғримай ўлар.* Мақол. ▬ *Буюк аллома Абу Али ибн Сино мия, қонтомир, ўпка касалликлари билан оғриган кишиларни даволашда ёнғоқ мағзидан самарали фойдаланган.* «Фан ва турмуш». *Бирдан Зеби хола оғриб қолди-ю, ўша ётганча ўрнидан турмади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Касалланиб, шикастланиб, жароҳатланиб ёки чарчаб оғриқ бермоқ, оғриққа кирмоқ. *Оёғим оғрияпти. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса, бировга ур!* Мақол. ▬ *Унинг тани зирқираб оғрир, айниқса, бели шундай оғрирдики, асло чидаб бўлмасди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бутун баданим зирқираб оғрийди, энди жуда кучайди оғриқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Касалланиб ёки қурт еб тўкилмоқ (хўл мевалар ҳақида). *Оғриган олма.*

Бели оғримаганнинг нон ейишига қара *қ.* **бел** I **1**. **Дили** *(ёки* **кўнгли) оғримоқ** Хафа бўлмоқ, ранжимоқ, дили озор чекмоқ. *Зумрад эрига кўз қирини солди. Унинг бугунги озорини ўйлаб, кўнгли оғриди ва жаҳл билан тескари ўгирилиб, тўшакни бошига тортди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Гулнорни олмоқчи экан, олсин. Ука, биз тўсиқ бўлмайлик, чолнинг дили оғримасин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Жони оғримоқ** Азоб чекмоқ, қийналмоқ.

ОҒРИНМОҚ 1 Норозилик ёки малоллик билан бирор ишни бажармоқ. *Мамат қассоб, қаршисида қимтиниб турган ранги синиқ жувонга тикилиб, оғринибгина ярим килодан ошиқ думбани тарозига ташлади.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Шопмўйловли киши оғриниб ўрнидан турди.* «Ёшлик».

2 Ўзига оғир олиб ранжимоқ, хафа бўлмоқ. *Ошно, гарчи оғринган эса-да, уларни унутмади, ўзи бормаса ҳам, касалхонага хотини Муяссарни юбориб турди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Мен бу гапга унча оғринмадим, эркак киши баъзан шунақа юраги торлик қилади, деб қўя қолдим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ОҒРИНТИРМОҚ Оғринмоқ фл. орт. н. *Саидий аллақачон салом беришга қарор берди, аммо сўрашиш керакми, ё бўлмаса, сўрашиш улуғ кишини йўлдан қўйиб оғринтириш бўладими?* А. Қаҳҳор, Сароб.

ОҒРИТМОҚ 1 Оғримоқ фл. орт. н. *Намгарлик аъзойи баданимни зирқиратиб оғрityапти. Этик оёғимни оғритди.* ▬ *Йиғлама, Турсуной, йиғлама. Йиғи бошни оғритиб, кишини лоҳас қилади.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 Хафа қилмоқ, ранжитмоқ, дилига озор бермоқ. *Кўнглини оғритмоқ.* ▬ *Дилдор шу ёшга кириб, бировнинг дилини оғритмаган.* С. Аҳмад, Уфқ. *[Кумуш Отабекка:] Шу яқин орадаги унинг [Зайнаб] билан бўладиган масъуд дақиқаларингизда худо йўлига ваъда олингиз – мени оғритмасин, рақибам келди, деб ўйламасин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ука, ман уч-тўрт кундан кейин Фарғонага жўнайман. Лекин, сан чолнинг кўнглини заррача оғритма, дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар.

Бош оғритмоқ 1) бошни оғритмоқ, бошга оғриқ киритмоқ. *Заъфарон фойдали ўсимлик бўлиш билан бирга нохуш асоратлари ҳам бор. Бошни оғритади.* «Саодат»; 2) бош қотирмоқ, фикрламоқ. *Бу йил идора чопиқ, суғориш каби ишларни ташкил қилиш; иш битдими, орқада қолдими, ҳар кун кўздан кечириш тўғрисида бош оғритмайди.* А. Қо-

дирий, Кичик асарлар; 3) тинчлик бермаслик, ҳоли-жонига қўймаслик. *«Элга қўшилмайсан, одамгарчилигинг борми?» дейишавериб, бошни оғритишди.* Газетадан.

ОҒРИҚ 1 Касалланиш, шикастланиш, жароҳат ёки чарчаш натижасида сезиладиган жисмоний азоб, дард. *Оёғининг оғриғи босилди. Ярам яна оғриққа кирди.* ▬ *Бир оздан кейин Малик муаллимнинг биқинидаги оғриқ хиёл босилди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ўз азобига, куюк оғриғига чидаб, бардош қилиб, ўзига-ўзи далда берарди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.

2 Касаллик, хасталик, дард. *Бел оғриғи. Кўз оғриғи. Оёқ оғриғи. Оғриққа чалинмоқ.* ▬ *Оғриқнинг биринчи куни Кумуш ҳеч кимга сездирмай юрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Юрак оғриғи 1) дил касаллиги, юрак хасталиги; *Кўк чой бош, юрак оғриғига, қон босимига дучор бўлганлар учун фойдали.* «Фан ва турмуш»; 2) *с. т.* меъда бузилиши, ич кетиши; 3) *кўчма с. т.* ланж одам. *-Қорангни кўрсатмай қўйдинг. Нима бўлди, шунақа юрак оғриғимидинг? — деди қорақош йигит ўспиринга.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 Бемор, касал, хаста. *Ўлар оғриқнинг ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши.* Мақол. *Оғриқнинг тузалгиси келса, эмчи ўз оёғи билан келар.* Мақол. ▬ *Бу воқеанинг учинчи куни Кумушбиби йиллаб ётувчи оғриқлардек сарғайиб озган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар иккала оғриқнинг номи битта — муҳаббат.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Бирон жойда ишлаш у ёқда турсин, «кўчага чиқай» деган ўйнинг ўзи унинг учун оғриқ кўз билан офтобга қарашдай ёқимсиз эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *кўчма* Руҳий азоб, дард, алам. *Элмурод Фотима билан тенглашиб олгач, бир энтикди-да, гўё қалбини жизиллатиб турган оғриқни битталаб олиб ташлаётгандай гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чолнинг қалбини аллақандай совуқ бир қўл омбур орасига олиб сиқар, оғриғи юзига уриб борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кам қўлл.* Ташвиш, ғам. *-Ажабо, маккажўхоридан бошқа оғриғим йўқми,— деди раис ўзига-ўзи.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Мўминлар бир-бирларининг оғриғига шерик бўлиши керак.* «Фан ва турмуш».

5 *кўчма* Иллат, камчилик. *-Бу оғриқ янгигина тузилган колхоз шароитида юқумли бир офат.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Бош оғриғи *қ.* бош. Бош оғриғи қилмоқ *с. т.* Ичкиликдан кейинги карахтликни тарқатиш учун яна бир оз ичмоқ, заҳар босди қилмоқ.

ОҒРИҚЛИ 1 Оғриқ мавжуд бўлган, жисмоний азоб берувчи. *Оғриқли яра.*

2 Руҳий оғриқ берувчи, дардли. *Болалигимдан бери бир оилани кузатаман. Шу уйнинг она бўлгич аёли мен учун оғриқли дунёдир.* «Ёшлик».

ОҒРИҚСИЗЛАНТИРУВЧИ Оғриқни бартараф этувчи, оғриқни сездирмайдиган. *Оғриқсизлантирувчи дорилар.* ▬ *Ўрта асрларда Европада ҳали тиббиётда жарроҳлик амалларида оғриқсизлантирувчи яхши воситалар бўлмаганлиги туфайли, табиблар ёғоч «гурзи»га «мурожаат» қилар эканлар.* Газетадан.

ОҒУ *айн.* **заҳар**. *Ҳа, у арзанда! Яшайверсин, лекин ўз тўшагида, бировларнинг ошига оғу солмасдан яшасин!* С. Нуров, Нарвон. *[Зуҳра] Сенсиз бу олам бўлди қоронғу, Ҳар луқма ошим сенсиздир оғу.* С. Абдулла.

ОҒУЛАМОҚ 1 Заҳар солмоқ, заҳар қўшмоқ. *Пахта далаларини турли хилдаги ўғитлар билан заҳарлаб келдик. Кўра-била туриб ерни, ўзимизни оғуладик.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

2 *кўчма* Заҳарга, оғуга айлантирмоқ, заҳарламоқ. *Умрининг энг қимматли кунларини оғулаган, икки йил бўйи давосиз дардга мубтало қилган ўз онаси эмасмиди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОҒУЛИ 1 Заҳар солинган, заҳар қўшилган; заҳарли. *Оғули ош.* ▬ *Бу оддий рашк эмас, бу бўҳтон кучи, Кўксига қадалар оғули тикан!* Ж. Жабборов.

2 *кўчма* Заҳарга, оғуга айланган, заҳарланган; заҳарли. *Оғули гап.* ▬ *Турмушнинг оғули дарахти иккита ширин мева қилади: булар — шеърият гўзаллигидан роҳатланишу яхши одамлар билан муносабатда бўлиш.* Газетадан.

ОҒУШ [*ф.* آغوش — қучоқ, бағир; қўйин, кўкрак; кўкс] **1** *кт.* Қучоқ; қўйин, бағир. *Ўз оғушига олмоқ.* ▬ *Раъно жавоб бермай, Анварнинг оғушидан ўзини қутқазиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сенинг оғушинг офтобнинг ётоғига ўхшайди.. баданингдан беҳишт ялпизининг бўйи келади, кўкрагингдан олма ҳиди анқиб туради..* «Ёшлик».

2 Қаър, бағир. *Кўп ўтмасдан ўлим ўз оғушига тортди.* Ойбек, Навоий. *Саратонда муаллақ қотган ҳаво ғубори шабнам билан яна ўз онаси — тупроқ оғушига оҳиста чўкди.* «Саодат».

3 Куршов, қўйин. *Толибжон омонат ёғоч кўприк устида шундай, ҳам ширин, ҳам юракни ўртовчи ҳислар оғушида гарангсиб турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Мурод қандайдир қувонч оғушида онасига қаради.* Т. Ашуров, Оқ от.

Оғуш қилмоқ *эск.* Қучоқламоқ, қучоғига олмоқ, бағрига босмоқ.

ОҲ *унд. с.* **1** Қувонч, завқ, қойил қолиш каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. *Оҳ, у дамлар!.. Эсласам, қалбимни қувонч, руҳимни шодлик қучади.* Ж. Жабборов, Севинч ёшлари. *Оҳ, бу ёқимли ҳид қаердан келди экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Оҳ, гўзал жонон ҳаёт, сенда эрур озод киши.* З. Диёр.

2 Соғиниш, интизорлик каби маъноларни ифодалайди. -*Кел, бир ўпай! — деди Абдуманноф. — Оҳ!.. Азиз оғайним!* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *Баъзи вақтда унча-мунча пул ҳам сўраб оламан, Лекин чирт-пирт бўлиб, қўлдан учади-кетади. Оҳ, пул!* Ойбек, Танланган асарлар. -*Оҳ, айланай, овсинжон, — деди бир жувон кулгидан ўзини тийиб, — кўзимиз довуччада бўлган замонлар қандоқ замонлар экан-а?* С. Зуннунова, Олов.

3 Ачиниш, дард-алам, ҳасрат туйғусини ифодалайди. *Қани Гулнор? Қани жонони? — Оҳ, у йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оҳ, фалокат, падар лаънат! Шарманда қилдингку охири!* Ҳамза, Танланган асарлар.

4 Оғриқ, дард туйғусини ифодалайди. *[Заргаров дарров креслога ўтириб:] Оҳ! Воҳ! Суғур! Суғурсанг-чи! [Марасул омбурни чоғлаб:] Ҳозир.. Ҳозир.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

5 *от взф.* Дод-фиғон, нола, афғон, зорланиш. *Оҳ тортмоқ (урмоқ, чекмоқ).* ▬ *Эй, телба кечмишнинг тилсиз гувоҳи, Тинглانар қалбингдан йилларнинг оҳи.* Ғайратий. *Танҳо ётар эдим бўм-бўш қирғоқда, Тепамда юлдузлар чекар эди оҳ.* А. Орипов, Йиллар армони. *Саид Жалолхон ишонган тоғи хусусидаги бу хабарни эшитиб, оҳ тортди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Оғриқ аламидан тинмай оҳ урарди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ОҲАК [*ф.* آهک — оҳак] Оҳактошни ўта юқори (900° дан ортиқ) температурада куйдиришдан, пиширишдан ҳосил бўладиган оқ модда; кальций оксиди (қурилиш, металлургия, кимё саноати ва б. соҳаларда кенг қўлланади). *Оҳак қоришмаси.* ▬ *Қизлар кўпроқ дарахтларга оҳак суриш, супуриб тозалаш ишларини бажарардилар.* С. Зуннунова, Олов. *Эртага ишдан қайтаётиб, оҳак ола келсангиз, катта меҳмонхонани бўшатиб, оқлаб олардик.* А. Мухтор, Кумуш тола.

Оҳак сути Пиширилган оҳактошнинг сувдаги эритмаси, сув қуйиб эритилган оҳак. *Баъзи бир заҳарловчи моддалар оҳак сути билан йўқотилади.*

ОҲАКИ [*ф.* آهکی — оҳакка оид, оҳакли, оҳак қўшилган]: **оҳаки намат** Оҳак сути билан намлаб қотирилган, сифати паст кигиз.

ОҲАКЛАМОҚ 1 Оҳак билан оқламоқ. *Раис хонанинг юпқа тахталари очилиб қолган полига, оҳакланган, лекин сарғайиб қолган деворига, газета тутиб қўйилган деразасига қаради.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *махс.* Ерни оҳак билан ўғитламоқ. *Оҳаклаш ер шўрини ейди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

3 *махс.* Тери, намат каби нарсаларга оҳак суви билан ишлов бермоқ.

ОҲАКЛИ Таркибида оҳак бўлган, оҳак аралашган; оҳакдан қилинган.

Оҳакли сув Тиндирилган оҳак сути, ўювчи кальцийнинг тиниқ эритмаси.

ОҲАКТОШ Таркибида оҳак бўлган чўкинди тоғ жинси. *Цемент хомашёси оҳактош ва гил конларидан қазиб олиниб, майдаланади.* «Фан ва турмуш».

ОҲАНГ [*ф.* آهنگ — келишув, ҳамжиҳатлик; ёқимли товуш, куй; ҳамоҳанглик, уйғунлик] **1** Бир-бирига уланган, уйғунлашган ёқимли товушлар оқими. *Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Турли товушларнинг маълум бир тартибда уйғунлашиб, мусиқий бутунлик ташкил этган бирикмасидан иборат мусиқа асари; куй. *Бу ашуланинг оҳанги жуда яхши экан!* ▬ *Буларнинг [шеърларнинг] ҳаммаси деярли газетада босилар, баъзиларини болалар оҳангга солиб, саҳналарда ашула қилиб айтар эдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Нутқда маънога қараб овознинг кўтарилиши ва пасайиши; интонация. *Буйруқ оҳанги, Сўроқ оҳанги. Тинч (босиқ) оҳангда сўзламоқ.* ▬ *У вақтларда мен шеърларнинг маъносини тўла тушунмасам ҳам, уларнинг ўқишдаги оҳанги мени завқлантирарди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Зиёдахон.. баъзи жумлаларни маъносига мос келмайдиган оҳангда ўқиб, тингловчиларга уқтира олмагани учун, ҳикоянинг давомини Иброҳимовнинг ўзи ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Сўзловчининг ички ҳис-туйғуларини ифодалайдиган талаффуз услуби. *Аразлаган оҳангда сўзламоқ. Йиғламсираган оҳангда гапирмоқ.* ▬ *Ойша хола қалбдан силқиб чиққан меҳрибон бир оҳангда гапирди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Гулнор тўғрисида сўзлаганда, товушига сирли оҳанг берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Кечир демоқчисиз, — деди Инобат майин, аламли оҳанг билан.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

5 *кўчма кам қўлл.* Нарсаларнинг ўзаро қўшилишидаги мослик, уйғунлик. *Бўёқларнинг нафис оҳанги.. бениҳоят нозик товланар эди.* Ойбек, Навоий.

Ҳар (*ёки* **юз, минг**) **оҳангга солмоқ** Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ қилиб кўрмоқ. *Дангасага иш буюрсанг, ўзини ҳар оҳангга солади.*

ОҲАНГДОР [*ф.* آهنگدار — уйғун, ҳамоҳанг, хушоҳанг] **1** Қулоққа ёқадиган, хуш келадиган, ҳузур бағишлайдиган; ёқимли, мусиқий; оҳанги яхши. *Оҳангдор мусиқа.* ▬ *Алла! Дунёдаги энг содда, энг соф, энг оҳангдор, эрка туйғули она қўшиғи.* «Саодат». *Гуландом оҳангдор, жарангли овоз билан сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Маълум оҳангга эга бўлган, маълум оҳанг билан талаффуз қилинадиган; оҳангли, жарангли. *Оҳангдор шеър.* ▬ *Ўткир оҳангдор товушдан сесканганда, юк машинаси дарҳол ўзини йўл четига олиб, ўтавер, дегандек дуддудлади.* С. Нуров, Нарвон. *Соқолли кампир бир қўлини Нурининг бошига енгил қўйиб, баланд.. товуш билан худди куйлагандек, сўзларни оҳангдор чўзиб қичқирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОҲАНГДОШ 1 Айтилиши ўхшаш, талаффуздаги оҳанги бир хил. *Оҳангдош номлар. Оҳангдош сўзлар.*

2 Маълум оҳангга, куйга мос тушган, мос келадиган. *Оҳангдош ашулалар.*

3 *кўчма* Бир-бирига мос, уйғун, ҳамоҳанг. *Оҳангдош бўёқлар.*

ОҲАНГДОШЛИК 1 Бир хил оҳангга эгалик, оҳанг жиҳатидан ўхшашлик. *Сўзларнинг оҳангдошлиги.*

2 *мус.* Турли баландликдаги мусиқа товушларининг бир вақтда садоланиб қўшилиши. *Куйларнинг оҳангдошлиги.*

3 *эск. айн.* **сингармонизм.**

ОҲАНГЛИ Маълум бир оҳанг ёки куйга эга, маълум бир оҳанг, куй билан ифодаланадиган, чалинадиган, айтиладиган; оҳангдор. *Бир турли, бир оҳангли нафис, мусиқавий товушлар кишининг борлиқ вужудига, қон томирларига ажойиб бир ўзгариш берган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОҲАНЖАМА [*ф.* آهنجامه — темир қоплама, жилд] *с. т.* **1** Ажойиб-ғаройиб безак, бежама. *Ёш-яланг орасида неки либос, неки оҳанжама расм бўлса, дастлаб шу қизнинг эгнида кўрардингиз.* «Ёшлик». *«Оқтой» чиндан ҳам оқиш бўлиб, шалпанг қулоқлари хачирларникидай узун, оҳанжамаси зўр эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ажойиб-ғаройиб иш, ҳаракат, тартиб, қилиқ, ғалва. *Тўйнинг оҳанжамаси кўп.* ▬ *Бу оҳанжама саломлардан сўнг куёв йигитнинг кимлари борлиги ва улар қандай одамлар эканлиги билинди-қўйди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОҲАНРАБО [*ф.* آهنربا — темирни тортувчи < آهن — темир + ربا — ўғирловчи, тортувчи] **1** *эск. айн.* **магнит.** *Кишилик тарихи давомида оҳанрабо ва кейинчалик электрон кварц соатлар яратилди.* Газетадан.

2 *кўчма* Ўзига тортувчи, ўзига жалб этувчи, мафтун этувчи; фусункор. *Оҳанрабо куй.* ▬ *Узоқ кетдим, бахт келтирай деб сенга, Оҳанрабо муҳаббатинг бор учун.* Т. Тўла. *Яқин-атрофдан эшитилаётган оҳанрабо куйлар кишини мафтун этади.* «Саодат».

ОҲ-АФҒОН, оҳу афғон Оҳу нола, оҳу фиғонлар. *Оҳ-афғон қилмоқ.* ▬ *Онанинг оҳу афғонига манқурт пинагини ҳам бузмади.* «Ёшлик».

ОҲ-ВОҲ, оҳу воҳ *айн.* **оҳ-афғон.** *Бундан қутулиш учун оҳ-воҳ, йиғи-сиғи сира фойда бермайди. Қулчиликдан чиқмоқчи бўлсак, курашга бел боғлашимиз керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оҳ-воҳ қилмоқ 1) оҳ-фиғон чекмоқ, додвой қилмоқ; азобланмоқ. *Қон ҳиди оч*

бўриларни шу қадар маҳлиё этгандики, на ўқлар овози, портлаш даҳшати, на жон бераётганларнинг оҳ-воҳ қилишлари уларга таъсир қиларди. «Ёшлик». *Эшикда оҳ-воҳ қилганча жиккак кампир пайдо бўлди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув; 2) *кўчма* муҳаббат куйида сохта куйди-пишди бўлмоқ. *Икки чаккасида соч ўстирган, қоншари паст сартарош йигит аввал оҳ-воҳ қилиб, иккиқат бўлган қизни ташлаб қочиб кетган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОҲ-ЗОР, **оҳу зор** *айн.* **оҳ-афғон.** *[Мамат:] Менинг оҳу зорларим бундай қулай фурсатларни келтирди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ОҲИСТА [*ф.* آهسته – секин, аста, аста-секин; шовқинсиз; осойишта] *рвш.* **1** Аста, қаттиқ овоз чиқармасдан, секингина. *Оҳиста гапирмоқ. Деразани оҳиста ёпмоқ.* ▬ *-Раҳмат.. Раҳимжон ака! – деди Раъно секин. Деди-ю, энтикди, сўнгра чуқур нафас олиб, оҳиста такрорлади: -Катта раҳмат!* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида. *Аваз уйғоқ эди, отаси билан оҳиста гаплашиб кираётган кишининг товушини эшитди-ю: «Яна бир ҳамдард шекилли», деб шифтга қараб ётаверди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Шошмасдан, секин, аста; шов-шув кўтармасдан. *Раъно оҳистагина Анварнинг ёнига келиб, супага суянди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Умид киришда оҳиста у ёқ-бу ёққа қараб киргани билан, чиқишда мушукдек эпчиллик билан занапоялардан тушди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Билинар-билинмас, сал-пал, зўрға пайқаб оладиган даражада. *Кўзни оҳиста очиб, юммоқ. Бошни оҳиста чайқамоқ. Ой оҳиста силжимоқда.* ▬ *Қайғуга ботган кўзларини юмиб, бошини оҳиста ирғади.* «Саодат». *Пастдан шоша-пиша чиқиб келаётган врачнинг шарпасини сезгач, хиёл қўзғалиб, оҳиста кўзини очди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

4 Ҳовлиқмасдан, босиқлик билан, ётиғи билан. *Воқеани оҳиста баён қилмоқ.* ▬ *Сизга шундай вазифа юкланди: укангиз, синглингиз, хўш, яна ким бор – шуларга оҳиста тушунтирасиз, яъни улар Мирзакаримбой отамга араз қилмасинлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Билдирмай, билинтирмай, ошкор қилмай, яширинча. *Оҳиста ишора қилмоқ.* ▬ *Замира Очилнинг ўтли қарашларини аввалдан ҳис қилар, лекин уларда суқлик сезмас, аксинча, кўз-кўзга тушганда, йигит оҳиста кўзини олиб қочар ва уялиб, ўзини мумкин қадар тортиб юрар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Шийпон яқинига бориб, оҳиста мўраласам, каттакон гужум тагида Холчучук ўтирибди.* «Саодат».

6 Эҳтиётлик билан, авайлаб, астагина. *Ярани оҳиста боғламоқ. Беморни оҳиста ётқизмоқ.* ▬ *Қайғу билан чарчаган қизнинг кўзлари юмила бошлади. Йўлчи унинг бошини кир ёстиққа оҳиста қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қамчи билан Мавлон ака Ботиралини оҳиста кўтариб, аравага олдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

7 Тинч, осойишта. *Бу қишлоқда ҳаёт оҳиста ва бир маромда кечарди.* «Шарқ юлдузи».

8 Енгил, осонгина. *Самолёт оҳиста Андижон тупроғига қўнди.* «Ёшлик».

ОҲ-НОЛА, оҳу нола *айн.* **оҳ-афғон**. *Оҳ-нола қилмоқ.* ▬ *«Дадажон, раҳмингиз келмайдими? Биз сизни соғиниб, юракларимиз эзилди-ку, жон дадажон», деб қилган оҳу-нолалари ёдига тушди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОҲО *унд. с.* Кутилмаган воқеа ёки ҳодисадан таажжубланганликни ифодалайди. *[Маҳкам:] Салом алайкум. Оҳо, янги меҳмонлар-ку!* Т. Сафаров, Уйғониш. *-Оҳо, агрономча, – деди Ҳамдам [Комилга] қошини чимириб, – далада роса пишибсан-ку.* Ҳ. Ахмар, Ким ҳақ?

ОҲОР [*ф.* آهار – крахмал; газламага пардоз бериш] **1** *махс.* Ип, газлама ёки кийимга пардоз бериш ёки қотириш учун ишлатиладиган модда; крахмал.

Оҳор бермоқ Оҳорлаб пардоз бермоқ, крахмалламоқ. *Чит тўқилгандан кейин оҳор берилади. Бунинг учун кўп миқдорда крахмал керак.* Ойдин, Суҳбати жонон.

2 Шундай модда билан янги нарсага, кийимга берилган ишлов, пардоз.

Оҳори кетган *(ёки* **тўкилган**) *ёки* **оҳордан тушган** Кийилган, тутилган, эски. *Оҳори кетган дўппи.* ▬ *Нодир Сайҳоний ҳар гал оҳори тўкилган, атрофини куя еб, тақир қилиб қўйган деворга осиғлиқ гиламни.. кўрганда, бу бевафо дунё ўзини хору зор бўлиб юрган кишиларга ўхшаб кўчага ирғитиб ташламагани учун парвардигори оламга шукроналигини изҳор қиларди.* «Ёшлик».

Оҳори тўкилмаган *ёки* **оҳордан тушмаган** 1) янги, пардози кетмаган, кўп ишлатилмаган. *Болтавой энди оҳори тўкилмаган беқасам тўн ўрнига елкасига ямоқ тушган гуппи киядиган бўлди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Унинг [Элмуроднинг] солдатча камари ҳали оҳордан тушмаган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар; 2) *кўчма* обрўси кетмаган, ҳурмати сақланган, баобрў; 3) *кўчма* илгари ишлатилмаган, тутилмаган, янги. *Оҳори тўкилмаган гап.* **Оҳорини тўкмоқ** 1) янги нарсани кийиб, тутиб эскиртмоқ, пардоздан туширмоқ; 2) *кўчма* обрўсини тўкмоқ, беҳурмат қилмоқ. *Оғзингизга қараб гапиринг, ўғлимнинг оҳорини тўкяпсиз. Ўғлим санъаткорларнинг султони бўлади.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

3 *кўчма* Обрў; ҳурмат. *Ори йўқнинг оҳори йўқ.* Мақол.

ОҲОРЛАМОҚ Ип, газлама ёки кийимни оҳор бериб пардозламоқ, қотирмоқ; крахмалламоқ. *Ташқаридан ип оҳорлаётган хотинларнинг ўзаро гапи, чархларнинг ғув-ғувлаб айланиши, савағичларнинг гуп-гупи эшитиларди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОҲОРЛИ 1 Оҳор берилган, оҳорланган. *Оҳорли чит.*

2 Оҳори кетмаган, тутилмаган; кийилмаган, янги. *Эрали бошида янгича гилам дўппи, эгнида оҳорли олача тўн кийиб келган эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Тўхта холанинг ўзи ҳам оҳорли кўйлагини кийиб, оқ дока рўмолини ўраб олган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОҲОРСИЗ Оҳор берилмаган, пардозланмаган; крахмалланмаган.

ОҲУ [*ф.* آهو – жайран, ғизол; ёввойи эчки] **1** Чиройли қора кўзли кийик. -*Масалан, тоғлардаги оҳулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдилар,*– *деди Анвар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қўлини тортиб, яна юзига парда қилди ва оҳу чаққонлиги билан йигит ёнидан ўтиб, шипиллаганича югуриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Нозик, сергак маҳбуба. *Хайр энди.. Қалбимда бир видо қолди, Хайр энди, сен кетдинг, бегунох оҳу.* А. Орипов, Йиллар армони. *Муҳаббатим, қайдасан, қалб ардоғим, Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

Оҳу кўз Оҳу кўзига ўхшаш чиройли кўз. *Унинг оҳу кўзларида на мағрурлик, на бир бошқа маъно бор эди,* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ОҲ-ФИҒОН, **оҳу фиғон** Оҳ-воҳ ва афғон; оҳ-воҳ ва афғонлар. *Оҳ-фиғон қилмоқ.* ▬ *Бу ошиқларнинг афсус-надомат, оҳу фиғонларининг боиси не?!* Шукрулло, Сайланма. *Таъсир айламас, дилхаста Ниҳон, Қилганинг билан минг оҳу фиғон.* Ҳамза.

ОҲ-ҲО *айн.* **оҳо.** *Оҳ-ҳо, қиз бечоранинг ички дунёсини беш қўлдай билар экансиз-ку?* А. Мухтор, Туғилиш.



ПА [*фр.* pas – одим, қадам] Рақсда оёқларнинг ритмик ҳаракати, муқоми.

ПАВИАН [*нем.* Pavian – *фр.* babouin – аҳмоқ < *лот.* papio] Мартишкалар кенжа оиласига мансуб тор бурунли маймунлар уруғи.

ПАВИЛЬОН [*фр.* pavillon < *лот.* papilio – капалак; хурсандчилик қилинадиган капалаксимон чодир] **1** Чакана савдо учун мўлжаллаб мавсумий ёки доимий қурилган усти берк, енгил бино, дўконча. *Минерал сувлар павильони.* ▬ *Кўчанинг Охунбобоев канали кесиб ўтган ерида морожний павильони, тиш техники будкаси очилган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Боғ ва паркларда қурилган енгил бино, шийпон. *Болалар айланма йўллар, каруселлар, павильонларда ҳар хил ўйинлар ўйнашади, ашулалар айтишади, кечқурун эса қизиқ эртаклар тинглаб, уйқуга кетишади.* Газетадан.

3 Вақтинча ва доимий фойдаланиш учун қурилган енгил иншоотлар (хона ёки бино). *Бадиий фильмлар суратга олинадиган павильон. Павильонда кинога олиш.* ▬ *Экспозицияларнинг асосий қисми марказий павильоннинг 1-қаватида жойлашган.* Газетадан.

ПАДАР [*ф.* پدر – ота] *кт. айн.* **ота 1**. *Сизнинг таъбирингизча, маънавий бир падар ўз ўғлига ёмонлик соғинарми, бу тўғрида жавоб берингиз-чи?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Одамлар бор – падарин мозорида йиғлаб бот, Бемерос йиғлаёлмас – таъма бор аъмолида.* А. Орипов, Юртим шамоли.

Падари бузруквор *қ.* **бузруквор.** -*Иложи йўқ, ака, – деди Аваз отасининг кўзига тик боқиб, – агар сиз падари бузрукворим бўлмаганингизда, буни сувга отиб юборажак эдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Падар лаънат(и)** *ёки* **падарига лаънат** *сўк.* Отаси лаънатланган, лаънатининг ўғли; умуман, қарғаш, ҳақорат ифодаси. *Падар лаънати ҳаромзода Собиржон сизнинг қадрингизни билмади.* Туйғун, Зулфизар. -*Падар лаънати, одобсиз! – деди Самад, – домлага шундай сўзни айтадими-я?!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Варақлайсиз газетани, Дуч келасиз оловга: Мукофотни беришибди Падар лаънат ановга.* А. Орипов, Йиллар армони. *Пул бўладими, кулми – падарига лаънат. Лекин нораста болани оч қолдирма.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. **Падар(и) қусур** Ҳазил-мутойиба тарзидаги енгил сўкиш. *Падарига қусур бунақаларни! Кеча кечқурун холи топиб, гапни майдалаштириб юраманми деб, ёнига яқинлашсам, бу аблаҳни қаранг, кимлигимни суриштирмасданоқ шапалоқлаб тушириб қолса бўладими, лаънати!* Шукрулло, Сайланма.

ПАДАРКУШ [падар + *ф.* کش – ўлдирувчи] *кт.* Ўз отасини ўлдирган қотил. *Урди-ю Мирзо Улуғбекка падаркуш ханжарин, Қабри узра ҳам ўзи минг йил чекар қайғу замон.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ПАДАРОНА [*ф.* پدرانه] *кт.* Оталарча, меҳрибонларча. *Ҳасаналининг юзига падарона тараҳҳум туси кириб, кексаларга хос оҳангдор бир товуш билан бекнинг устидаги оғир юкни ола бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ушбу ҳарф луғат мақолалари А. Мадвалиев ҳаммуаллифлигида тузилди.

ПАЁК [*р.* паёк < *т.* پی –«ҳисса, улуш» с. кичр.] *эск.* Бирор кишига маълум вақтга мўлжаллаб бериладиган озиқ-овқат миқдори. *Бир ҳафталик паёк.* ■ *Дадавой ака бугун ҳар кунгидан эртароқ келди. У ойлик паёгига гўшт, ёғ, гуруч, қандни бир халта қилиб кўтариб кирди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ПАЁМ [*ф.* پیام – топшириқ; хабар; билдириш; даъват] *кт. айн.* **пайғом**. *Эзгу йилда эзгу ўйлар топсин қарор, Салом бўлсин хуш саодат айёмига, Салом бўлсин зафарнинг илк паёмига.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кўзи ёшли, дилхасталардан Келтирдик биз дўстлик саломин, Ғойибона дуо паёмин.* Ғайратий.

ПАЖМУРДА [*ф.* پژمرده – сўлғин; ғамгин, руҳи тушган; нимжон] *кт.* **1** Сўлғин, ғамгин, беором. *Шўрлик онангнинг пажмурда гавдаси кўзинг ўнгида бутун даҳшати-ла акс этар энди?* Ғ. Ғулом. *Пажмурда танага жон берган қўлларингиз кўзимга тўтиё!* Н. Ёқубов, Жон. *Аммо бу чашмага етмоқ ўзга бир оролда уни кута-кута сарғайган, пажмурда жисми нуқтага айланган Мажнунга осон эмас.* Газетадан.

2 *кўчма* Нимжон, сўлғин. *Ҳа, лекин у шу нарсани эсдан чиқарадики, сояда ўсган нарса пажмурда бўлгани билан, яхши боғбон уни қуёш нури эмадиган қилиб қайта экса, у яна гуркираб ўсаверади.* А. Эшонов, Ҳаётга қайтиш. *Вужудимни ғижимлар оғир Руҳим ичра пажмурда виждон.* Р. Парфи, Кўзлар.

ПАЗАНДА [*ф.* پزنده – пиширилган; пиширувчи] Лазиз таомлар пишириш санъатини яхши эгаллаган киши, моҳир ошпаз. *Пазанда аёл.* ■ *Бувим хўп пазандада, ҳар қанақа томоққа маза киритиб юборади.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *[Журналда] Ҳар хил таомларни қандай пишириш ҳақида пазандаларнинг тажрибалари босилади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ПАЗАНДАЛИК 1 Турли ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан овқат тайёрлаш, пишириш сирларини билиш. *Қудрат Хадича аянинг пазандалигини энди билаётган бўлсада, унинг бошқача таърифини илгари эшитган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бошлиқ ҳар гал мантини оғзига солаётганда, келиннинг пазандалигини мақтаб, Орифжоннинг қўли очиқлигини таърифлаб турди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Лазиз таомлар тайёрлаш санъати. *Пазандалик илми.* ■ *Чунончи, пазандалик санъати ҳам бошқа соҳалар каби ҳеч қачон холис тараққий эта олмайди.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Жаҳон пазандалигида сутдан тайёрланадиган маҳсулотлар ичида энг хили кўпи бу пишлоқ экан.* Газетадан. *Бундан икки йиллар бурун миллий пазандалик мавзуида бир неча мақолалар ёзиб беришимни илтимос қилишди.* Газетадан.

ПАЗАНДАЧИЛИК Лазиз таомлар тайёрлаш маҳорати ва саноати. *Ўзбек пазандачилигида технология жараёни мукаммаллашиб, нонннинг хиллари бениҳоя кўпайди.* Газетадан.

ПАЙ I [*ф.* پی – томир, пай, асаб] **1** *анат.* Тана мушакларини суякка бириктириб турувчи мустаҳкам, эластик тўқима. *Сўйилган қўйни пайидан осмоқ.* ■ *Отақўзининг кўзлари қисилиб, жағ пайлари туртиб чиқди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Яна ҳар қандай гўштда пай, чочўсар, тоғай каби бириктирувчи тўқималар бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *сфт. кўчма* Меҳнатда пишган, чайир. *У қоп-қора, қотма, вужуди пай бир йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Забардаст, паҳлавон, кўркам, келишган, Вужуди пай, чайир, меҳнатда пишган.* Ҳабибий.

Пайини қирқмоқ Мавқеидан маҳрум этадиган зарба етказмоқ. *Ҳозир эса онасининг қорнидан кеча тушган тирранчалар ҳам нуқул катталарнинг пайини қирқиш, кўпчилик олдида обрўсизлантиришни ўйлайди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *-Қизиқ одамлар, – деди у яна, – бир-бирини кўролмайди: ўзидан чиққан ёқмайди, юқоридан келганни сиғдирмайди.. Давроновнинг ҳам пайини қирқишди.* И. Раҳим, Ихлос.

ПАЙ I [*ф.* پی – оёқ, қадам] *эск.* Оёқ, қадам. *Бу янглиғ муддате йўл қилдилар тай, Ки Арман кишвариға қўйдилар пай.* А. Навоий.

ПАЙ II [*ф.* پی – товон, оёқ; из] (*асосан ў.п. ва ж.к. шаклида*) Бирор мақсадни амалга ошириш йўлидаги астойдил ҳаракат, уриниш, қасд. *Холдор ишга кириш пайида уч-тўрт жойга учради.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *У [Қўзибой] чўққига чиқиб «Тошбулоқ»ни топишда ҳам биринчи бўлиш пайида эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Пайига тушмоқ 1) *айн.* **пайида(н) бўлмоқ.** *Билим олиш пайига тушмоқ. Пул топиш пайига тушмоқ.* ■ *Қори ўйлаб-ўйлаб, шеър*

ёзиб, пул топишнинг пайига тушади. С. Аҳмад, Сайланма. *Оқсоқол Ғиёсиддинни куёв қилиш пайига тушиб, тез-тез уйига чақирадиган бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) изига тушмоқ, из қувмоқ. -*Милиция пайимизга тушганга ўхшайди, — деди шофёр орқага аланглаб.* Ё. Шукуров, Уч савол. **Пайида(н) бўлмоқ** Бирор мақсадни кўзламоқ, бирор мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқ, уринмоқ. *Ўқишнинг пайида бўлинг, болалар.* ▬ *Ҳунарни ўрганиш пайидан бўлгин, болам [деди кампир Саидага].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Сен ҳам ахир қараб турмасдан, бошқачароқ йўл билан бўлса ҳам, тирикчиликнинг пайида бўлсанг, ўғлим.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. **Пайида юрмоқ** Бирор мақсад билан кетига тушиб, пайт пойлаб юрмоқ. *У бир нарсанинг пайида юрибди.* ▬ *Абдужабборхўжа.. пулни кўрганда, раҳм-шафқатни унутиб қўядиган, ғайратли, бўш-баёв одамларни ишлатиб, бойлик орттириш пайида юрган кишилардан эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ПАЙ IV [*ф.* پی]: **пай урмоқ** Ерга ёйиб териб қўймоқ (узум, қовун, тарвуз, олма, нок ва ш.к. ҳақида) *Узумларни пай урмоқ.*

ПАЙ V [*т.* پی – ҳисса, улуш] *иқт.* Бирор ширкат, акциядорлар жамияти ишида қатнашиш учун қўшиладиган ҳисса, улуш. *Пай пули. Пай қўшмоқ.* ▬ *..кўплаб акциядорлар ўзларининг сотиб олган акция ва пайлари эвазига дивиденд, яъни даромад олишлари керак.* Газетадан. *Пай бўйича ҳам унинг эгаси, қўлидаги пай миқдорига қараб, умумий даромаддан ўз улушини олади.* Газетадан.

ПАЙВАНД [*ф.* پیوند – қўшиш, боғлаш; қариндошлик; боғланган, ажралмас] **1** Бирор ўсимликнинг новда ёки куртагини бошқа ўсимлик танасига ўтказиш, улаш усули ва шу усулда улаб ўстирилган ўсимлик. *Искана пайванд. Куртак пайванд. Қаламча пайванд.* ▬ *Олимларимизнинг берган маълумотларига қараганда, лимонни экиб, қаламча пайванд ва пархиш қилиб кўпайтирилади.* Газетадан.

2 *тех.* Металл бўлакларини эритиб ёки парчинлаб, бир-бирига ёпиштириш, бириктириш ва шу усулда ҳосил қилинган чок. *Электр пайванд.* ▬ *Насос станцияси корпусининг йўғон пўлат арматураларини пайванд қилиш бошланди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *махс.* Уланган бўлак, улоқ. *Шогирд бола лаб-лунжини осилтириб.. энди пайванд тикишга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *сфт. кўчма* Ўзаро боғланган, пайваста. *Куйга куйлар бўлармиди банд, Диллар дилга бўлмаса пайванд.* Г. Жўраева, Менинг маржонларим. *Кўнгил яйраб кетар, ором олар жон. Гуллар манзараси севинчга пайванд.* Миртемир, Асарлар. *Навоийнинг дили билан халқнинг дили ҳамиша пайванддир.* Ойбек, Навоий.

ПАЙВАНДИ [*ф.* پیوندی – пайвандланган, дурагай] *қ. х.* Пайванд қилинган, уланган. *Пайванди дарахт.* ▬ *У ёғи Тўлқинжоннинг пайванди қантаклари, бу томон Эркинжоннинг кишмиш, чарос токлари.* Қ. Муҳаммадий.

ПАЙВАНДКАШ *қ.* **пайвандчи**. *Рашид, пайвандкашдан таралаётган ёқимсиз ҳидни сезиб, бурнини жийирди.* Газетадан.

ПАЙВАНДЛАМОҚ 1 *қ. х.* Бирор ўсимликнинг куртак ёки новдасини бошқа ўсимлик танасига уламоқ, пайванд қилмоқ. *Гилосни олчага пайвандламоқ.*

2 *тех.* Металл бўлакларини эритиб ёки парчинлаб, бир-бирига ёпиштирмоқ, уламоқ. *Рельсни пайвандламоқ. Деталларни пайвандламоқ.* ▬ *У [ишчи] қувурни қўлига олиб, бир нафасда учини пайвандлаб бекитди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ПАЙВАНДЛОВЧИ *қ.* **пайвандчи**.

ПАЙВАНДТАГ *бот.* Пайвандуст пайванд қилинадиган ўсимлик ёки унинг қисмлари. *Мана шу ер қатламларида ток ва кучли пайвандтагда ўстирилаётган мева дарахтларининг асосий «ишчи» илдизи жойлашган бўлади.* Газетадан.

ПАЙВАНДУСТ *бот.* **1** Пайвандтагга уланадиган қаламча ёки куртак.

2 Уланган қаламча ёки куртакдан ўсиб чиққан ўсимликнинг ер устки қисми.

ПАЙВАНДЧИ Улаш, пайванд қилиш иши билан шуғулланувчи мутахассис (*қ.* **пайванд 1, 2**). *Дарвоза очилиб, занжири шақирлаганда, Чори ота пайвандчи йигит, деб ўйлади-да, ишини давом эттираверди.* С. Нуров, Нарвон. *Бош пайвандчи ва бошқа мутахассислар масъулияти оширилди.* Газетадан.

ПАЙВАСТ [*ф.* پیوست – боғловчи; алоқа; боғланиш; бириктириш, қўшиш] Туташ, уланиб кетган, бириккан. *Пайваст қошлар.*

▬ *Ё ёр, абрўларингда қалам изи деганим, Тугатмаган шеърларимнинг шони қошингга пайваст.* А. Исроилов, Биз дунё одамлари. *Негаким, нонни ҳар қанча бўлса ҳам уйда ёпиб берадилар. Негаким, уч тандирда пайваст нон ёпишмоқда.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПАЙВАСТА [*ф.* پیوسته – доимий, узлуксиз; бириккан, қўшилган] Ўзаро боғланган, туташган. *Қодиржон пайваста қошларини чимирганча аниқ жавоб кутарди.* Ҳ. Назир, Сайланма. *Узун-узун, қора, пайваста Киприклари титрар, қалтирар.* М. Али, Боқий дунё. *Бунда икки катта ва ўн тўрт кичик гумбазли жой бўлиб, пишиқ ғиштдан қалин қилиб ишланган пайваста арклар бор.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ПАЙГИР [*ф.* پایگیر – боғланган; ўралган; боғлиқ] *тар.* Найча шаклида ўралган узун қоғозга ёзилган ёрлиқ.

ПАЙДАР-ПАЙ [*ф.* پی‌درپی – изчил, кетма-кет; узлуксиз, тўхтовсиз] *рвш.* Бирин-кетин, кетма-кет, узлуксиз. *Одамлар пайдар-пай келиб туришибди.* ▬ *Хўжанддан пайдар-пай учирилган кабутарлар Жиззахга, Жиззахдан Самарқандгача жўнатилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Наврўзий беданаларнинг пайдар-пай сайрашлари кўклам келишига «Хушвақт, хушвақт» деб чучут отади.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Хурсандман: оламга довруқ тарқатиб, Юртимда ўтмоқда пайдар-пай тўйлар.* Уйғун, Тонг қўшиғи.

ПАЙДО [*ф.* پیدا – кўринадиган, кўринарли; аниқ; очиқ-ойдин]: **пайдо бўлмоқ** 1) юзага келмоқ, яратилмоқ. *Кейинги йилларда Хива атрофида янгича тарзда қурилаётган қишлоқлар пайдо бўлаётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *[Бой:] Бу Эшмат, бу Тошмат деб кўрсата берсак, орамизда фитна пайдо бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) қаердандир келиб қолмоқ, ҳозир бўлмоқ. *Азизхон сувда мириқиб шўнғиб, кулочкашлаб сузиб юраркан, унинг тепасида Жўра полвоннинг қораси пайдо бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Суви қочган нон, олмачой билан нонушта қилишаётганда, Гадойвой пайдо бўлди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Дарров қалам-дафтарни олиб Баёнқул ака пайдо бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик**;** 3) кўринмоқ, кўзга ташланмоқ. *Кўп қаватли бинолар гоҳ булутлар соясига қўшилиб, йўқ бўлиб кетади, гоҳ яна қуёш чиқиб, оламга иссиқ-иссиқ нур сочганда, қайтадан пайдо бўлади.* П. Қодиров, Уч илдиз; 4) яратилмоқ, келиб чиқмоқ. *Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши.* ▬ *Тош Эронга ўтди ва салкам юз йилдан сўнг унда «Кожар Фатҳали шоҳ султон (ҳижрий 1242 йил)» деган ёзув пайдо бўлди.* С. Кароматов, Олтин қум; 5) намоён бўлмоқ, акс этмоқ (ҳис-туйғу, кечинма кабилар ҳақида). *Анвар Муқаддамнинг чеҳрасида бир лаҳза ғам соясига ўхшаш аллақандай ҳайрат пайдо бўла бошлаганини пайқаб олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўкламда одамлар кўнглида кўтаринкилик пайдо бўлади.* Газетадан. **Пайдо қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Вужудга, юзага келтирмоқ, чиқармоқ. *Қанот пайдо қилмоқ. Ҳавас пайдо қилмоқ. Ҳасад пайдо қилмоқ.* ▬ *Қимиз кайфи, от миниш завқи унга гўё қанот пайдо қилиб учирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ноннинг хоми гард пайдо қилар, Гўштнинг хоми дард пайдо қилар.* Газетадан.

ПАЙДОР [*ф.* پی‌دار – мушакдор, пайли] Мушаклари ривож топган; бақувват, чайир. *-Кечаги рейс муваффақиятли ўтгани билан табриклайман, – унинг [Нозимнинг] сўзини бўлди машинист-инструктор ва йигитга ўзининг бармоқлари йўғон, пайдор қўлини чўзди.* Ў. Ҳошимов, Пўлат чавандоз. *Мажлиснинг сўнгида у яна асл ҳолига қайтди, пайдор жуссаси, ўйнаб чиққан мушаклари – бутун аъзоси кийимлари остида кўздан йўқолди.* «Ёшлик».

ПАЙК [*ф.* پیک – хабарчи; чопар; ўқ] *кт.* Хабарчи, элчи, даракчи; хизматкор. *Муҳаммад Валибек кулумсираб, кўзи билан пайклар ўтирган томонга ишора қилиб жавоб берди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Иякларини майин тук босган, мўйлаблари энди сабз уриб келаётган бу йигитчалар подшоҳнинг пайклари – жиловдорлари эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ПАЙКАЛ [*т.* پی – ҳисса, бўлак, улуш + *ф.* کال – чуқур, хандақ] *қ. х.* Марза, ариқ, йўл кабилар билан ажратилган катта экин майдони; пол, чек. *Ғўза пайкали.* ▬ *Трактор пайкал бошига етти-саккиз бориб келгунча ҳам Дилдор хаёлидан бўшамайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Буғдойзорда пайкал бўлмаса, боланинг қўлида метрлаб ўлчайдиган газ бўлмаса, қаёқдан билсин!* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПАЙКОН [*ф.* پیکان – ўқ, найза кабиларнинг ўткир учи; камон ўқи, найзача] **1** Камон ўқи учидаги металл бошоқ. *Кўксима ўқларки отдинг ғамзадин, пайконларинг Чекмаким, жонимға қолсун ёдгор, эй сарвиноз.*

Фурқат. *Тиғ бўлиб ботқучи — сен, Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 *кўчма* Киприк. *Сўзлаганда, эй қора кўз, юзларда хандон ўйнасин. Дилга туғён солиб ҳар сўз, кўзларда пайкон ўйнасин..* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

ПАЙМА-ПАЙ [*ф.* پی‌بپی — орқа(си), кетида(н)] *с. т. қ.* **кетма-кет**. *Турналар учар пайма-пай, Гўё чалиб битта най.* «Шарқ юлдузи».

ПАЙМОН [*ф.* پیمان — ваъда; битим, аҳд; иттифоқ] Аҳд, ваъда. *Биз у билан аҳду паймон қилганмиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ошиқ-маъшуқ паймонлари сиру синоатдадир.* «Шарқ юлдузи».

ПАЙМОНА [*ф.* پیمانه — ўлчов, ўлчам; қадаҳ] *поэт.* Ичкилик ичиладиган идиш; кадаҳ, пиёла. *Фаровон кунларнинг нашъаси билан шарбат селобига тўлди паймонам.* Ғайратий.

Паймонаси тўлди *қ.* **тўлмоқ 4.** *..Паймонам тўлибди-да, деб йиғлаб юбордим.* «Ёшлик». *Пайт келар, ваъданинг қиммати қолмас, Муҳлат бермас у дам тўлган паймона.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАЙНОВ [*ф.* پای — оёқ; адоқ; этак + ناو сув қувури] **1** *айн.* **пойнов.** *Манзилига шунчаям ошиқмаса-я бу шошқин дарё! Минг шошсин, пайнови қум саҳроларига етиб сингигунча қўймай, неча ерда жилов солиб олишади.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Иномиддин сув чиқиб кетадиган пайновларни ўйиб кенгайтирди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

2 *кўчма с.т. қ.* **пайров 3.** *Сув сойга оқар, дегандек, гапнинг пайнови Чинорбибига келиб тўхтади.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Гапнинг пайновини керакли томонга буриб юборадиган сўзамол одамлар ҳам топилиб туради.* Газетадан. *Гапининг пайновидан билиб қолдимки, у бола-чақаси ёки аёли билан.. мол-дунёга шерикликни тиклаш учунгина ярашмоқчига ўхшайди.* Газетадан.

ПАЙПАСЛАГИЧЛИЛАР *зоол.* Денгизлар ва чучук сувларда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар типи. *Пайпаслагичлилар ўлжани бало-қазодек чирмаб оладики, фақат саккизоёқнинг ўлимигина бу даҳшатли чангални бўшатиши мумкин.* «Фан ва турмуш».

ПАЙПАСЛАМОҚ 1 Қўл билан ушлаб ёки силаб кўрмоқ; шу йўл билан қидирмоқ. *Чўнтагини пайпаслаб, гугурт ахтармоқ.* ▬ *Нормат энгашиб, этигининг қўнжини пайпаслаб кўрди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чўнтагини пайпаслаб, хушбўй атир ҳиди уфуриб турган рўмолчани чиқарди-да, бурнига яқин келтириб, узоқ ҳидлади..* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Аҳмаджон милтиғини пайпаслаб кўрди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *кўчма* Бекитишга, юмшатишга уринмоқ, хаспўшламоқ. *У ўз айбини пайпасламоқчи бўлди.*

ПАЙПОҚ 1 Тўпиқ, болдир ёки сонгача беркитадиган, асосан тўқиб тайёрланадиган оёқ кийими. *Жун пайпоқ. Капрон пайпоқ.* ▬ *Ипак пайпоқ болдирларидан сидирилиб тушиб кетаётгандек.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳақиқатан ҳам ип пайпоқ ишлаб чиқариш билан фақат биргина Қўқондаги пайпоқ тўқиш фабрикаси шуғулланади.* Газетадан. *Туршак, ёнғоқ, жун пайпоқ — нима топсак жўнатдик.* «Саодат».

2 *зоол.* Панжа устини, тўпиқни қоплаб турувчи пат (паррандаларда).

ПАЙПОҚДОР Панжа усти-тўпиқдан узун пат ўсиб чиққан (парранда ҳақида). *Пайпоқдор каптар.* ▬ *-Ҳайтовур домла иштонбоғини маҳкам боғламагани учун, чопиш вақтида [иштони] оёғига тушиб, кишан бўлиб, пайпоқдор товуқдай каловлаб қолдида, мен қочиб қутулдим, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ПАЙРАВ *с.т. қ.* **пайров 3**. *Нуктадон Мутриб дарҳол ҳовлисининг кичиклигидан кун тушмаслигига ишора қилиб, пайрав билан жавоб берди.* «Ёшлик».

ПАЙРАҲА, параҳа I [*ф.* پیرهه] **1** Ёғоч-тахта чопилганда, рандаланганда ҳосил бўладиган чиқинди. *Уста Мақсуд [ўтинлар] сал оғирроқ келса, ўзининг ўроқ рандасида шир этиб йўниб олиб, чиққан пайраҳани сийлов қилиб беришга олиб қоларди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Назар ота пайраҳаларга кўмилиб, пойтеша чопаётган уста Шоқосим билан гаплашиб турган экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Юпқа кесилган (нон, яхна гўшт, пишлоқ ва ш.к.); япроқ. *Бир пайраҳа қази.*

ПАЙРАҲА II [*ф.* پیراهه — ёндама сўқмоқ, айланма йўл] Лойгарчиликда, қорда одамлар юравериб ҳосил қилган йўл, сўқмоқ. *Шундай пайтларда МТС ҳовлиси ҳам қиш либосини кияр, устахона ёки цехдан бошқа бир жойга бормоқчи бўлсангиз, девор тагидан.. «пайраҳа» йўлкадан юришга тўғри келарди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

ПАЙРОВ [*ф.* پيرو – издош, изидан борувчи; ихлосманд; тарафдор] **1** Кетма-кет келувчи, эргашувчи, издош. *Ёзга пайров куз эди, қишга ҳам баҳор.* Уйғун.

2 Сув оқими, йўналиши. *Қорабулоқ камбағаллари минг азобу уқубат билан тоғдан унгур қазиб чиқарган сув пайрови лапанглаб оқаётган анҳор бўйида машина корпусининг баланд қадди кўринди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Аския учун танлаб олинган, аскиячилар бирин-кетин давом эттирадиган маълум мавзу; аскиянинг ижро услуби. *Ашула пайрови. Пайров қилмоқ. Пайровдан чиқмоқ.* ▬ *Хум ичида кўпирган бўза, Тил қичитар аския, пайров!* М. Али, Боқий дунё. *Бошқа бир гал аскиялар устидан чиқиб, эски-янги пайровларда тарафлашамиз.* А. Исроилов, Биз дунё одамлари. *Шодон аскиялар, пайров ва тақлид – Даврани порлатар мисоли чироқ.* А. Исроилов, Биз дунё одамлари.

4 Гап ёки суҳбатдан келиб чиқадиган маъно; гапнинг мақсади; хулоса. *Гапнинг пайровини кутмоқ.* ▬ *Бу [Алиқул] гапнинг пайровини келтириб, анча эшди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАЙРОВЛИК: пайровлик қилмоқ Бировнинг кўнглига қарамоқ, унинг изми, хоҳиши билан иш тутмоқ. *Неча йиллар пайровлигинг қилганман.* «Муродхон».

ПАЙСА I [*ф.* + *ҳинд.* پيسه – Ҳиндистон ва Покистонда: чақа пул, майда танга] **1** *эск.* Тахминан 50 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. *[Югурдак:] Мана, тақсир, олиб келдим, текшириб кўринг! Икки пайса етмас экан беҳиштга.* А. Орипов, Йиллар армони. *Беш пайса ем аяган кезларингда қор кураб, илдиз топиб бердим уларга.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Етмиш икки ҳунаринг бор, лекин хумчангда беш пайса жиринг йўқ!* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *тар.* Бухоро хонлигида беш тийинлик чақа. *Етмишинчи йилларда.. ҳукмдорнинг мис пайсага зарб этилган муҳрини топдилар.* Газетадан.

ПАЙСА II *тиб.* Терининг қизариши.

ПАЙСАЛ: пайсал топмоқ Тинчимоқ, ором топмоқ. *Чиндан ҳам оғриқ тўхтагандек эди. Пича пайсал топди.* Н. Қиличев, Қуюн. **Пайсалга солмоқ** Турли сабаблар билан кечиктирмоқ, галга солмоқ. *..қани, юр, хайрли ишни пайсалга солиб бўлмайди.* «Ёшлик». *-Пайсалга солмайлик, – деди Асадулла, – тездан бир фикрга келиб олишимиз керак.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Абдулла Қаҳҳор у кишига телефон қилсам нима бўлади, қилмасам нима бўлади, борди-ю, повесть ёқмаган бўлса, хижолатга қолдирмайин, деб учтўрт кун пайсалга солиб юргач, ниҳоят, қимтинибгина телефон қилдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПАЙСАЛИК I *эск.* Пайса оғирлигидаги, оғирлиги бир пайса бўлган. *Беш пайсалик тош.*

ПАЙСАЛИК II *эск.* Бир пайса турадиган, баҳоси, нархи бир пайса бўлган. *Икки пайсалик чой.*

ПАЙСАЛЛАМОҚ 1 Бирор ишни судрамоқ, кечиктирмоқ, пайсалга, галга солмоқ, орқага сурмоқ. *Улар қандай фармон беришмасин, бош тортмасдан бажарган одам уларнинг жон-дили! Озгина пайсалласа борми?* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

2 Секин, ивирсиб, имиллаб ҳаракат қилмоқ. *Тез бўл, пайсаллама, манзилимиз жуда олис.* «Ёшлик».

ПАЙСАЛЧИ *кам қўлл.* Ишни орқага судровчи, кечиктирувчи шахс. *Йиғилишда оғизга сиққунча ваъда берган.. жамоа хўжалиги раҳбарлари.. қурилиш ташкилотига пайчи бўлиб кириб, пайсалчига айландилар.* Газетадан.

ПАЙСА-ПАЙСА: пайса-пайса қилмоқ Уриб, чақиб қавартириб юбормоқ. *Чивин ҳамма ёғимни пайса-пайса қилиб юборди.*

ПАЙТ 1 Бирор иш, воқеа-ҳодиса содир бўлган ёки бўладиган вақт, фурсат, он. *Туш пайти. Ўқ отилган пайт.* ▬ *Тонготар пайтида Азизхон Қўшариқ гузарига етиб келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чой пайтида Мақсуда онасига кўнглини бир оз очишга журъат қилди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Муайян шароит билан боғлиқ бўлган давр, замон. *[Заргаров:] Жоним. Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турибди – бекорга нобуд бўлиб кетаман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Яна жазо отрядининг кўзига қон тўлиб, кимга тегишини билмай турган нозик пайтда бир кор-ҳол бўлмасин дейман. Тағин ўзингиз биласиз..* К. Яшин, Ҳамза.

3 Бирор ишни амалга ошириш учун қулай вақт, фурсат, имконият. *Пайт топмоқ. Пайтни қўлдан бермоқ. Пайт келганда айтмоқ.* ▬ *Мен пайт пойлаб қочишни мўл-*

жаллаб борардим. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Ўзи ҳам, пайти келиб, мана шу қизлардай дугоналари билан яйраб-яшнаб, қийқириб ўйнай олармикан!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Пайт равиши *тлш.* Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдирувчи равиш: *илгари, ҳозир, кейин* каби. **Пайт эргаш гап** Бош гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш пайтини (вақтини) билдирувчи эргаш гап. *Бир куни кўчада кетаётсам, Умри бир бош узум кўтариб келяпти.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Пайт ҳоли** Иш-ҳаракатнинг рўй бериш вақтини билдирувчи ҳол. *Ҳайдар ота бир куни Ултармага бориб, тегирмондан хабар олди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ПАЙТАВА [*ф.* پای‌تابه – оёқни қизитувчи, иситувчи] Қўнжли пойабзал кийилганда, оёққа ўраладиган мато. *Унинг бир пой ботинкаси титилиб кетган, ичидаги пайтаваси осилиб, юришга халақит берарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Тўрақулнинг оёғи музлаб қолаётгандай эди. Нам пайтавадан ўтиб, совуқ игнадай санчиларди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Санобархон оёғига пайтава ўраб, маҳсисини кийди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Пайтавасига қурт тушди Безовта бўлиб, ташвишланиб, елиб-югуриб қолди. *Ғайратнинг йўқлиги эрталаб маълум бўлди. Ҳамма ташвишга тушди. Айниқса, ўқитувчиларнинг пайтавасига қурт тушди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Худайчи жўнагач, қўрғонбегининг пайтавасига қурт тушиб, типирчилаб қолди ва у ёқдан бу ёққа югура бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Патаки-пайтава** *кўчма* Хушомадгўй, сермулозамат. *Йўқ ердаги дўстларинг бирдан остонангда пайдо бўлиб, сенга патаки-пайтава бўлишади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *[Узунсойликлар] Мансабинг бўлса, сенга патаки-пайтава бўлади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ПАЙТАВАҚОВОҚ *қ.* **пайтавақулоқ 1.** *[Қобилжон:] Сен пайтавақовоқни болалардан ҳимоя қилиб юрибман-а. Сен хомкалла энди кўзимга кўринма..* Газетадан.

ПАЙТАВАҚУЛОҚ 1 *дағл. от* Гапни дарров уқолмайдиган, фаҳми етавермайдиган, галварс киши. *[Мулладўст Мулларўзига:] Ҳафтада бирини қўйиб, иккини олаверасизлар.. Бизга лоақал, йўлакка тўнгак бўлган пайтавақулоғиям тегмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 *сфт.* Гапни дарров уқолмайдиган, калтафаҳм, галварс. *Ёмонлик жавобсиз қолмасмиш. Аризабозлик қилиб юриш ўзбекчиликка тўғри келмасмиш. Ўргилдим, сенга ўхшаган пайтавақулоқ ўзбекдан!* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПАЙЧА: товуш пайчалари *анат.* Бўғизнинг ён деворларига жойлашган ва овоз чиқариш учун хизмат қиладиган иккита ўзаро параллел эластик мушакча.

ПАЙЧИ Шерикчилик асосидаги иш учун пай қўшган киши; ҳиссадор.

ПАЙЧИЛИК Шерикчилик асосида иш юритишлик. *..энг аввало пахтачилик ва ғаллачилик пайчиликка ва оила пудратига асосланган..* Газетадан. *Ана шу ҳолатни инобатга олиб, пайчилик усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.* Газетадан.

Пайчилик жамияти Пайга асосланган, пайга оид жамият, ҳиссадорлик жамияти.

ПАЙШАНБА [*ф.* پنج – беш + شنبه – шанба] Ҳафтанинг чоршанбадан кейинги, тўртинчи куни. *Пайшанбанинг келиши чоршанбадан белгили.* Мақол. ▬ *Пайшанба куни эрта билан ишлаётган одамлардан сал четроқда Меъмор.. келиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ПАЙШАНБАЛИК 1 *тар.* Эски мактабларда пайшанба куни болалар домуллага келтирадиган пул, нон ва ш.к. инъомлар. *Ҳозир эски мактабларимизда болалар ҳар пайшанба нон ё ноннинг пулини, яъни пайшанбалик олиб борадилар. Бундан бошқа бўйра пули, кўмир пули ҳам бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Пайшанба кунлари масжидларга чиқариладиган хайру эҳсонлар. *Пайшанбалик деб, одамлар тўртта нон, бир ҳовуч ширинлик ва ош ёки сумалак солинган косани ярим қулоч сурпга ўраб, тугунни кўчага чиқаверишдаги супага ташлаб кетишади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПАЙҚАМОҚ 1 Сезмоқ, ҳис қилмоқ, билмоқ. *Йигит ҳеч нима сезмади. Кўзларини очган вақтда, тупроққа кўмилиб ётганини пайқади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Шўрхок сув билчиллаб ётган тўқай ичидан югуриб борарканман, чап оёғим ерга муздай тегаётганини пайқадим.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Маъносини англамоқ, уқмоқ, тушунмоқ; сезмоқ. *Мудир унинг ишга уринмай тик*

турганидан, нимадир демоқчи бўлаётганини пайқаб, секин сўради. «Саодат». *Умиднинг расмият учун гапирган гаплари унга ёқмади, унинг ўзгариб қолганини, юрагида қандайдир гумону шубҳалар борлигини пайқади.* Мирмуҳсин, Умид. *Темур Малик муншийнинг мақсадинию юрагидаги аламини пайқади.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ПАЙҒАМБАР [*ф.* پیغمبر / پیامبر – хабар берувчи, олдиндан хабар келтирувчи] **1** *дин.* Худонинг хоҳиш-иродасини бандаларига етказувчи илоҳий вакили, наби, расул. *Мен [Амир Темур] пайғамбар авлодларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ва эҳтиромда бўлдим.* «Фан ва турмуш». *Эшит, тўрам, банда бўлдим оллога, Уммат бўлдим пайғамбари худога.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

Пайғамбар оши Пайғамбар яшаб ўтган ёшга (63 ёш) етганда бериладиган ош. *Нурбобо Сатторқулнинг магазини ёпиқлигини, унинг пайғамбар оши бераётганлигини айтади ва икковлари ўша ерга кетишади.* «ЎТА».

ПАЙҒАМБАРЛИК 1 Хабарчилик, элчилик. *Бу кун менинг пайғамбарлигимга ваҳий келди.* «Латифалар». *Барчанинг отаси ҳазрати одам, Пайғамбарлик анга бўлди мусаллам.* «Маликаи айёр».

2 *кўчма* Олдиндан айтиш, каромат. *Бир қанча француз газеталари ҳам ҳозирги сессиянинг муваффақиятсизликка учраши эҳтимоли ҳақида умидсизлик билан пайғамбарлик қилаётирлар.* Газетадан.

ПАЙҒАМБАРОНА Пайғамбар сингари, пайғамбарга хос; пайғамбарларча. *Лекин академик Сергей Павлович Королёв пайғамбарона башорат қилганидек, космонавтиканинг келажаги – ниҳоясиз.* «Фан ва турмуш».

ПАЙҒОМ [*ф.* پیغام – топшириқ; хабарнома, билдириш; салом] **1** *эск. кт.* Хабар, мужда. *Тарки пайғом ўлғонига, эй биродарлар, сабаб: Мунда бўлдим муддате уч-тўрт ой беморман.* Муқимий.

2 Яхши хабар, хушхабар. *Айни тонг чоғида кўз очди илҳом, Боқди атрофига солланиб, кушод. Порларди чашмида илҳомий пайғом..* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАЙҲОН: пайҳон қилмоқ 1) *айн.* **пайҳонламоқ.** *Дарахт шохларини синдираётган, гулларни пайҳон қилаётган болаларга бепарво бўлманг.* «Саодат». *Уларни узиб пайҳон қилиш гуноҳ, улар осмон гуллари.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ; 2) йўқ қилмоқ; ўлдирмоқ, жонини олмоқ. *У [йигит] деб эди: «Яратибди бизни худойим, Начораки, унинг ўзи қилади пайҳон..»* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАЙҲОНЛАМОҚ 1 Босиб-янчиб оёғости қилмоқ, топтамоқ, эзиб, босиб ташламоқ. *Қўйлар анчагина жойнинг пахтасини пайҳонлаган экан.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ноиб келган йўли билан, ғўзаларни пайҳонлаганча, от солиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Яраламоқ, топтамоқ, эзмоқ. *У [дўл] пахтазорнигина эмас, балки дарахт панасига ўзларини олган деҳқонлар ва Боймуроднинг юрагини қаттиқроқ пайҳонлади.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди.

ПАКАНА [*ф.* پکنه – бўйи, қадди паст] **1** *сфт.* Бўйи ўртачадан паст, бўйи ўсмай қолган, бўйи паст. *Пакана йигит.* ▬ *Бу хотиннинг ёши элликлардан ошган бўлиб, ўзи пакана, думалоқ эди.* С. Зуннунова, Олов. *Бир куни ишхонада ўтирган эдим, пакана, қорача бир ўсмир қўлида латта сумка билан кириб келди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Шундай бўйли шахс. *Йўқ, бобом бўлса, бунақа гап чиқмасди. «Овозингни ўчир, пакана», деб бир мушт кўтарса, ойим пилдирпис бўп қоларди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 Унча баланд бўлмаган, пастак. *Пакана уй.* ▬ *.. беҳизор манзараси ўзгача, ёш-ёш, бўйи пакана беҳи дарахтларининг серҳосил шохлари таралиб, ер ўпиб ётмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Тонг отди, йўл четидаги икки туп пакана тут томондан қорашақшақ шақиллаб учиб-қўнди.* М. Мансуров, Ёмби.

ПАКАНАЛИК Бўйнинг ҳаддан ташқари паст бўлиши; миттилик. *Паканаликда ақлхуш нормал бўлса ҳам, гавда болалар гавдасига ўхшайди.* «ЎзМЭ».

ПАКАР 1 *от. шв. айн.* **пакана 1**. *-Бу жинқарча кўчатларни оҳаклайман деб, белим қотиб кетди. Манави пакар энгашмай, тик туриб оқласа, мен икки букилиб оқлаяпман! – деди узун бўйли йигит Тўппонча полвонга.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 *сфт. айн.* **пакана 3**. *Сўқмоқ бирдан иккига бўлинди-ю, бири соҳил ёқалаб кетгани, бири пакар арчаларни айланиб ўтиб, пастликка кетганини кўрдим. Ҳаялламай иккинчи сўқмоққа тушдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *У пакар арча остига – кўрпа бўлиб тўкилган нинабарглар устига қафасни қўйди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ПАКГАУЗ [*нем.* Packhaus — омбор < Pack — халта, тугун, бўғча + Haus — уй, хона] Темир йўл станциялари, порт кабиларда юклар вақтинча сақланадиган омбор. *-Металлургия заводи қаёқда? — деб сўради Эргаш, пакгауздан чиқиб келган юкчиларнинг бирини тўхтатиб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПАКЕТ [*фр.* paguet — тугунча, бўғча; халта] **1** Қоғоз ёки целлофан халта(ча). *Шофёр изза бўлган бир алпозда багажникдан пакетларни олиб, «Нива»нинг орқасига эҳтиётлаб қўйди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Маҳсулот Россия технология линияси ёрдамида бир литрли, 0,5 ва 0,2 литрли пакетларга қадоқланмоқда.* Газетадан.

2 Расмий хат, ҳужжат ва ш. к. солинган катта конверт ва шундай конвертдаги хат-ҳужжат. *Ўсар бухгалтер Эшмаматнинг елкасига қоқиб қўйди. Атрофга ўғринча назар ташлаб олиб, қўйнидан пакетни чиқарди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Мария ўқ ёмғири остида эмаклаб, пакетни полковник Проценкога олиб бориб топширди.* «Саодат».

Индивидуал боғлов пакети *тиб.* Жанговар шароитларда ярадорларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун тайёрланган махсус бинт (жароҳатга қўйиладиган иккита докапахта ёстиқча ва бинтдан иборат).

ПАККА *с.т.* **1** Мусобақа ва спорт ўйинларида етиб бориш ёки тўпланиш олдиндан белгиланган жой, нуқта, марра; финиш. *У паккага биринчи бўлиб етиб келди.* ▬ *Пойгада қаттиқ зўриқиб чопган от паккага етганда сулайиб қолар эмиш.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам. *Футбол ишқибозлари ҳам чойхонамизни пакка қилиб олишган.* «Шарқ юлдузи».

2 Ишнинг олдиндан белгилаб қўйилган чамаси; мўлжал, режа. *Ишни паккага етказмоқ.* ▬ *Ҳар бир кўсак, ҳосил берган ҳар чигит Бизнинг кўзга илашмасдан қолмайди. Паккасига тўлдирмасдан толмайди Биздаги ҳар хотин-қиз ҳам эр йигит.* Ғ. Ғулом.

Паккасига етмоқ Охирлаб қолмоқ, поёнига етмоқ. *Умрим паккасига етай деганда, худонинг қаҳрига учрадим, қизим. Гуноҳим нималигини билмайман..* К. Яшин, Ҳамза.

ПАККИ *шв.* Тиғи сопи ичига қайириб ёпиб қўйиладиган пичоқча; қаламтарош. *«Кескир» лақабини эса иш услуби, яъни йўловчиларга паккими, устарами, ишқилиб, бирорта тиғлироқ матоҳни кўрсатиб дўқ ургани туфайли орттирган эди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ПАККИЧИ *шв.* Пакки ясовчи шахс.

ПАК-ПАКАНА Бўйи жуда паст, жуда ҳам пакана; митти. *У сўзини тугатгач, пак-пакана бир қизиқчи чиқади-да, салом беради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ПАКТ [*лот.* pactum — шартнома, битим] Муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган халқаро шартнома, битим. *Ҳужум қилмаслик ҳақидаги пакт. Пактни ратификация қилиш.* ▬ *Асосий халқаро пактлар ва битимларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимизнинг.. тарихида сифат жиҳатидан янги саҳифа очди.* Газетадан.

ПАЛАК I [*ф.* فلكه — тўгарак майдон < *а.* فلك — само, осмон] Қовун, бодринг каби ўсимликларнинг ерда ёйилиб ўсадиган тана, шох ва барглари. *Қовун палак отибди. Палак ёзган тарвуз.* ▬ *Домлаларни чой ва дастурхон тайёр бўлгунча овутиб туриш учун мулла Обид палакдан уч-тўртта қовун узиб чиқади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ишком ва шафтолилар участка четидаги қовун-тарвуз палаклари устидан ўз сояларини йиғиб олмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Палак отмоқ Илдиз отмоқ, авж олмоқ; кўпаймоқ, мустаҳкамланмоқ. *Натижада VIII—IX асрлардан бошлаб Термизда сайидлар авлоди палак отиб, машҳур бўлиб кетди.* «Фан ва турмуш». *Чунки бу ерда расмиятчилик палак отган: мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида иш тутилмоқда.* Газетадан. **Туп қўйиб, палак отмоқ** Мустаҳкам ўрнашиб, мартабаси ошмоқ; бола-чақали бўлиб кетмоқ. *Станциядаги мўътадил ҳаво секин-аста Салимжонни аввал доцент, кейин профессор қилиб, туп қўйиб, палак оттира бошлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Қайтиш бизнинг қисматимизда бўлмаса, сизларда бордир. Зурриётимиз ота юртда туп қўйиб, палак отса, минг бор шукр қиламиз.* «Ёшлик».

ПАЛАК II [*а.* فلك — само, осмон] Осмон гумбазига ўхшаш доира шаклидаги гулнақшлар билан қопланган, одатда уй деворларига безак учун осиб қўйиладиган каштачилик буюми. *Илгари қиз узатган одамлар қизининг уйини безаш учун палак, зардевор, чойшаб, гилам, сандиқ қилишар эди.* Газетадан. *Ҳовлилардан келинларнинг палаги олиб чиқилиб, чойхонага осилди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар.

ПАЛАКМУРДА [палак I + *ф.* مرده – ўлган; ўлик] *шв.* Полиз экинларининг қуриган палаги. *Палакмурдадан териб олинган тарвузлар.*

ПАЛАККУШ *фольк.* Куш кўринишга эга бўлган афсонавий учар от. *Тўрт қиз палаккушга миниб, тўққиз кеча-кундузда Чамбилга етдилар.* «Зулфизар билан Авазхон».

ПАЛАНГ I [*ф.* پلنگ – қоплон; йўлбарс] *айн.* **йўлбарс**.

Паланг йили *айн.* **барс йили** *қ.* **барс 2**. **Паланг от** *фольк.* Афсонавий учар от. *Келиб, паланг отни созлаб кўради, Паланг отни миниб, бундан жўнади.* «Ширин билан Шакар». *Паланг отдай ғувлаб борасан, Булут пастда, осмон ёрасан. Қачон ерга пастлаб борасан? Уч-ҳо, учгил, давримнинг оти.* Отаёр, Оқ фасл.

ПАЛАНГ II [*ф.* پلنگ – йўлбарс териси; шу теридан қилинган пўстин] Орқалаб юк ташишда ишлатиладиган махсус ёстиқча. *Ҳозир [Қаипберган] кифтига паланг қўйиб, Аллонбийнинг юкини ташийди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ПАЛА-ПАРТИШ 1 Айқаш-уйқаш, тартибсиз, бетартиб. *Ўзиям [уй] анчадан бери супурилмаган.. стуллар ҳам жойларидан сурилган, пала-партиш қўйилганди.* О. Ёқубов, Аямажиз. *Унинг ёғи чиқиб кетган дўппи, пала-партиш кийимда кириб келганига Онахон ҳайрон қолди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

2 Бир-бирига боғланмаган, қовушмаган; пойма-пой, ғализ. *Пала-партиш жумлалар. Пала-партиш гапирмоқ.* ▬ *Пала-партиш гапга чечан Араббой яна бир нарса топиши мумкин эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ўйламай-нетмай қилинган; бемулоҳаза, чала-чулпа. *Пала-партиш иш. Пала-партиш иш қилмоқ.*

4 Ўйламай-нетмай, чала-чулпа иш қиладиган, тартибсиз. *Пала-партиш одам.* ▬ *..фақат айтилган ишни чала-чулпа бажарадиган ходим билан меҳнат интизомини бузувчи, ишда пала-партиш ходимнинг ўртасида қандай фарқ бор?* «Ўзбекистон қўриқлари».

ПАЛАПОН *с. т.* **1** Паррандаларнинг ҳали пат ва қанот чиқармаган ёки эндигина чиқара бошлаган боласи; жиш. -*Буни қаранг, – деди жилмайиб Нафисахон ўзида йўқ шод. – Мусичанинг палапон боласи ҳам, шунақа кап-катта бўлса ҳам, онаси кетидан қанот силкиб, осилиб юради..* Мирмуҳсин, Умид. *Том бўғотига уя қурган чумчуқлар бот-бот палапонларини учирма қилишарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Гўдак болаларни, ёшларни эркалатиб айтиладиган сўз. *Илк бор ҳаётингда қор сайлидир бу, Изингдан шуъладек югурар кўзим. Қўрқма, палапоним, чекмагил қайғу, Йиқилсанг, турғизиб қўяман ўзим.* А. Орипов, Йиллар армони. *Йўлинг очиқ бўлар, бўлсанг сен очиқ қўл, Омин энди, палапоним, сенга оқ йўл.* Й. Эшбек, Соғиниб яшайман.

3 *кўчма бетклф. ҳазил.* Ҳеч нарса билмайдиган, тажрибасиз. *Ўрта мактабдан яқинда учирма бўлган, лекин ҳали чинакам турмуш нималигини билмайдиган бу палапонларга нима десин?* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Бесўнақай, катта; салмоқланиб, лапанглаб юрадиган. *Палапон товуқ.*

ПАЛАТА I [*лот.* palatium – сарой, қаср] **1** Баъзи мамлакатларда: парламент ёки бошқа олий давлат органининг таркибий қисми.

Умум (*ёки* **жамоа) палатаси** Англия ва Канадада: парламентнинг сайланувчи қуйи палатаси. **Лордлар палатаси** Англия парламентининг асилзодалардан ёки қирол томонидан тайинланадиган аъзолардан иборат юқори палатаси.

2 Ўзбекистонда: парламент – Олий Мажлиснинг икки таркибий қисми: қуйи палата – Қонунчилик палатаси, юқори палата – Сенат. *Палаталар билан ҳамкорлик қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифаси Адлия вазирлигининг барча тизимларига юклатилади.* Газетадан. *Юқори палата таркибини вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил этади.* Газетадан.

3 Баъзи давлат ёки жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг номи. *Савдо палатаси. Китоб палатаси. Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси.* ▬ *Вилоят тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси қошида кичик ва ўрта тадбиркорликни ахборот ва маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилганди.* Газетадан. *Илмирахон билан танишгунимга қадар Ўзбекистон Ёшлар палатаси ҳақида кўп нарса билмас эканман.* Газетадан.

Ўзбекистон Республикаси миллий китоб палатаси Ўзбекистонда нашр этиладиган барча босма асарларни ҳисобга олиб, уларга библиография тузиб борувчи муассаса.

ПАЛАТА II [*р.* < *лот.* palatium – сарой, қаср] **1** Даволаш ва дам олиш муассасаларида беморлар ёки дам олувчилар ётадиган алоҳида бўлма, хона. *Ахир, сен даволаётган беморларнинг палатасига телевизор қўйиб беришмайди-ку.* Т. Ашуров, Оқ от. *Ўша куни палатамизга сотувчи аёл атлас олиб келганди.* Газетадан.

2 *қ.* **палатка.** *Ёмғир палатадан ўтиб, кўрпа-ёстиқларни ҳам шалаббо қилиб юборди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўрмон ичкарисидаги дала госпиталида брезент палатада ётибман. Қора Лочин палатага ҳар замон бир бош суқиб, менга қараб қўяди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 Баъзи ҳашаматли уй, қасрлардаги ички иморат, зал. *Ярог-аслаҳа палатаси.*

ПАЛАТКА [*р.* «палата» с. кичр.: кичик палата] Сув ўтмайдиган пишиқ матодан, теридан тикилган ёзги капа, чодир. *Ана ҳозир қамиш капалар, брезент палаткалар, ертўлалар кўриниб қолар деб келяпман.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ПАЛАХМОН [*ф.* پلخمان – сопқон, тоштотар] *тар.* Тош отиш учун ишлатилган жуда қадимий ибтидоий қурол. *Қўрғон ҳимоячилари ўқ-ёй ва тош отадиган палахмон билан қуролланган эдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *-Қиз бола палахмоннинг тоши, дейдилар: қаерга отса, шу ерга бориб тушади, – деди Ёринжон хола.* С. Йўлдошев, Қиз қалби.

ПАЛАХСА 1 Ер чопганда ёки ҳайдаганда уваланмай, бутун ҳолда кўчган катта япалоқ кесак. *Ер палахса-палахса бўлиб кўчяпти. Ерни палахса-палахса қилиб ағдариб ҳайдамоқ.* ▬ *Чўл қушларининг қилиғи қизиқ: улар палахса-палахса ағдарилиб, қалайдай йилтираб ётган шудгорда ўлжа талашади.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

2 Умуман, ҳар қандай қаттиқ нарсанинг ундан ажралган яхлит, япалоқ парчаси. *Бир палахса мармар.* ▬ *Ғуломжон ҳар гурзи урганда, тоғ палахса-палахса бўлиб ағдарилар, одамлар қийқиришиб, югуришиб ташишар эмиш.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тоғнинг тошлари палахса-палахса ушалиб, худди тирик мавжудотдек, пастга силжийди.* «Ёшлик».

ПАЛАҒДА [*ф.* پلغده – айниган, бузилган тухум] **1** Айниган, бузилган, сасиган (тухум ҳақида). *Палағда тухум.* ▬ *Уни қанақа чиройли сўзларга ўрамасин, палағда тухумга мурч сепиб бергандай гап – бари бир еб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Бек. *Олқинди кетдию, уйда аллақандай моғор ҳиди билан бешта палағда тухум қолди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Унмайдиган, қуруқ, қовжироқ (уруғликлар ҳақида). *Палағда уруғ.*

3 *кўчма* Пўнғиллаган, ёқмайдиган, ёқимсиз, хира (овоз ҳақида). *Унинг [Очилвойнинг] овози аллақандай хириллаб, палағда чиқади. Иззатулла ака ўрнидан қўзғалиб, унга кулумсираб қарайди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Чол кафтини тўлдириб нос отди-да, палағда товуш билан гапга тушиб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

4 *кўчма* Ҳеч нарсага ярамайдиган, фойдасиз. *Нишонбой, бу саволинг палағда чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ПАЛЕО- [*юн.* palaios – қадимги, бурунги] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: «қадимги, қадимийликка, қадимиятга алоқадор» каби маъноларни билдиради (мас., *палеоботаника, палеография*).

ПАЛЕОАНТРОПОЛОГИЯ [палео.. + антропология] Антропологиянинг қазиб олинган қадимги одам (питекантроп, синантроп ва ш.к.)ларнинг типларини ўрганувчи соҳаси.

ПАЛЕОБОТАНИКА [палео.. + ботаника] Ботаниканинг қазилма ўсимликларни ўрганувчи соҳаси. *..қазилма бойликларни қидиришда палеоботаника маълумотларидан фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

ПАЛЕОГРАФ Палеография олими, мутахассиси.

ПАЛЕОГРАФИК Палеографияга оид. *Тўртламчи даврнинг ўрталарида Хоразмнинг палеографик тузилишида анча ўзгаришлар рўй берди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ПАЛЕОГРАФИЯ [палео.. + *юн.* grapho – ёзаман] Қадимги қўлёзмалар ва ёзувларни, ёзув белгиларининг яратилиш тарихини ҳамда уларнинг ташқи кўриниши (ёзилиш усули, ҳарфлар шакли, ёзув ёзилган материал тури кабилар)ни ўрганадиган фан.

ПАЛЕОЗОЙ [палео.. + *юн.* zoe – ҳаёт] *геол.* Ер геологик тарихининг учинчи эраси (бу

эрада ер юзида папоротниклар, яланғоч уруғли биринчи игнабарглилар, балиқлар, амфибиялар пайдо бўлган). *Палеозой эраси.* ▬ *Мумиёйи аслнинг пайдо бўлишида қуёш энергияси катта роль ўйнайди. Мумиёйи аслни палеозой эрасининг жинслари тарқалган жойларда учратиш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ПАЛЕОЛИТ [палео.. + *юн.* lithos – тош] Энг қадимги тош асри, даври.

ПАЛЕОНТОЛОГ Палеонтология олими, мутахассиси.

ПАЛЕОНТОЛОГИК Палеонтологияга оид. *Палеонтологик экспедиция. Палеонтологик таҳлил.*

ПАЛЕОНТОЛОГИЯ [палео.. + *юн.* on (ontos) – борлиқ, ҳақиқатда мавжуд (нарса) + logos – билим, фан, тушунча] Қирилиб, ўлиб, йўқ бўлиб кетган ўсимлик ва ҳайвонларни уларнинг қазиб топилган қолдиқларига қараб ўрганадиган фан.

ПАЛЕОЭКОЛОГИЯ [палео.. + экология] Палеонтология фанининг қадимги даврларда яшаган ҳайвонот ва ўсимликларнинг ўша давр муҳити билан ўзаро муносабатини, ҳаёти ва яшаш шароитларини ўрганадиган бўлими.

ПАЛЁН [*р.* полено – «ёрилган ғўла, тараша» с. нинг бузилган шакли] Ғўланинг ёриб ажратилган бир бўлаги. *Бир палён ўтин.* ▬ *-Бўлмаса бундай қиламиз. Қўлингиздаги болта билан анави палённи олинг-чи, – деди режиссёр.* «Муштум». *Арзанда бир палён чайир ўтинни тик қўйибди-да, шошиб, зарб билан болта урибди.* Ё. Шукуров, Она меҳри.

ПАЛИД [*ф.* پلید – кир, ифлос; нопок, мурдор, ҳаром] **1** Жуда, ўта ортиқ даражада кир, ифлос. *Палид нарса.* ▬ *Аммо бундай палид жойга кирганимни арвоҳлар ҳам ёқтирмаган бўлсалар керак.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Олтин палид ва ҳаром нарса, мен уни қўлимга олишга ҳазар қиладурман.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *кўчма* Ўтакетган ярамас, қабиҳ, разил, жирканч, ёмон. *Палид одам.* ▬ *[Миркомил] Эндиликда кўршапалакдек тунда изғиб юрган зараркунанда, палид.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳайҳот, ўшал жойда қайсидир палид Унинг қисматига қайрайди пичоқ.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАЛИТРА [*фр.* palette – темир, ёғоч ёки бошқа нарсадан бўлган ясси тахтача] **1** Рассом ишлаш жараёнида бўёқларни аралаштирадиган, тўртбурчак ёки овал шаклидаги тахтача. *Дафъатан бирор одам олдига бориб, палитрани, мўйқаламни кўз-кўз қилиб..* М. Қўшжонов, Дийдор.

2 *кўчма* Ёзувчилар, композиторлар ижодида таъсирчанлик ва бўёқдорлик воситалари мажмуи. *Актёр қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини белгилашда ўзининг бўёқдор ҳаётбахш палитрасини равшан намоён қилган.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

3 *кўчма* Рассомнинг рангтасвир услуби ҳамда алоҳида рангтасвир асари учун хос бўлган ранглар тўплами.

ПАЛЛА I [*ф.* پله – поғона, босқич; даража, мартаба] **1** Муайян давр, вақт, пайт. *Ёз палласи. Ёшлик палласи. Шу паллада.* ▬ *Деҳқон тонг палласи сафарга чиқди, Юртим деб бир йўли ҳашарга чиқди.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз. *Арпа ўроққа кирган палла эди. Матпано ўроғини йўқотиб қўйиб диққат бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Далада ёз палласида ёйилиб ўтириш – роҳат.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Босқич, поғона, давр. *Тарихий тараққиётнинг янги палласи.* ▬ *Эл билан бирга узоқ йўл босдим, бундай паллаларни яхши биламан. Халқнинг қисматида тарихий кунлар бошланмоқда.* «Шарқ юлдузи».

ПАЛЛА II [*ф.* پله – тарози коса(ча)си] **1** Тарозининг нарса ёки тош қўйиладиган ҳар бир тақсимчаси. *Тарози палласига тош қўймоқ. Тарози паллаларини мувозанатга келтирмоқ. Тарози палласига қараб иш тутадиган одам.* ▬ *Пештахта олдига бориб, саватдаги узумдан бир бош танлади-да, тарози палласига қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Дунё тарозисининг икки палласи: бирида қувонч, бирида ғам; бирида нур, бирида зулмат бўлса, Назокат энди фақат биттасини – қувонч билан нурга тўласини кўрарди.* Шуҳрат, Умр поғонаси.

2 Юмалоқ нарсанинг тенг иккига бўлинган қисмларидан бири, ярми. *Ёрмат.. тарвузни кесди. Бир палласини Йўлчи ва Ўроз олдига қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўзим ичга ботиб кетган, худди қуруқ икки ёнғоқ палласи.* Т. Фаттоҳ. *Тарвузнинг бир палласида сузар юзлаб чумоли.* «Ёшлик».

3 *бот.* Уруғнинг мустақил муртакли ҳар бир бўлаги.

Палласи босмоқ Устун бўлмоқ, зўр чиқмоқ. *Эшоннинг панд-насиҳатлари зўр келди. Эшоннинг палласи босди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПАЛЛАДИЙ [*лот.* Palladium < *юн.* Palladion – Паллада кичик сайёраси номидан < Pallas – юнон маъбудаси Афинанинг номларидан бири] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; платина (оқ олтин) металлар гуруҳига кирувчи юмшоқ ва енгил, кумушсимон оқ металл.

ПАЛОВ [*ф.* پلو / پلاو – палов] Асосий масаллиғи гуруч, ёғ, гўшт ва сабзидан иборат, қовуриб, қайнатиб ва дамлаб тайёрланадиган қуюқ овқат; ош. *Нўхатли палов. Майизли палов.* ▬ *Хотинлар паловни дамлаган вақтда бой келиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нигор ойим сопол лаганда палов келтириб, ҳаммалари бирга ошга ўлтирдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ивитма палов Олдиндан ивитиб қўйилган гуручдан тайёрланган юмшоқроқ палов. **Самовар палов** Чойхонада сара масаллиқлардан яхши пазанда тайёрлаган палов. *Унинг илгариги чойхўрлари, бирга самовар палов еишган улфатлари Ёвариқ бўйида тўкин дастурхон атрофида ўтиришибди.* И. Раҳим, Ихлос. **Халта палов** Гуручи алоҳида халтада сувда қайнатиб, пишириб олинган палов. **Чойхона палов** *айн.* **самовар палов.** *Йигитсиз ўчоқда олов қайдадир, Хилватда чойхона палов қайдадир.* Э. Охунова, Қулоғингизга гапим бор. **Қовурма палов** Масаллиғи обдан қовуриб, гуручи ивитмай тайёрланадиган палов.

ПАЛОВХОНТЎРА *с.т. айн.* **палов.** *-О, келин паловхонтўрани боплабдилар-ку, тилладай ош бўпти-ку, маза қиламиз экан-да! – Зиёд мақтай-мақтай енг шимаришга тушди.* М. Мансуров, Ёмби.

ПАЛОВХЎР [*ф.* پلاوخور – палов еювчи] Паловни яхши кўрадиган, кўпроқ палов ейдиган киши. *Айниқса, шўх ўзбек халқи паловхўр, Иш вақтида бир-биридан чайир, зўр.* Ҳабибий, Девон. *Паловхўрларнинг аксарияти бу ерда доимий яшайди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ПАЛОВХЎРЛИК Тўйиб палов ейиш, паловга тўйиш. *Маҳаллада ҳар кун тўй, ҳар кун паловхўрлик.* ▬ *Раис мажнунтол тагидаги паловхўрликдан кейин ажойиб бир ҳодисага дуч келибди.* М. Муҳамедов, Юрак сўзлари.

ПАЛОН *с.т. айн.* **фалон.** *Қишлоғимизнинг қизига палон қишлоқнинг йигити гап ташлабди, деб эшитса, атайин муштлашгани учтўрт йигит ўшаққа бориб, бирон жанжал бошламай қайтишмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПАЛОН-ПИСТОН *с.т. айн.* **фалон-пистон.** *Бир кун у [Оқилжон] Бухорога жўнайман, деб қолди, аллақандай мол келтириб, мана мунчага сотаман, палон-пистон деб ҳовлиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПАЛОНЧИ *с.т. айн.* **фалончи.** *Қайси ҳайкал тагидаги ёзувни ўқиманг, албатта «ҳайкалтарош палончи архитектор Одинаев» деган ёзувни ўқийсиз.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Палончининг хотини ҳалиям ўзини олдирмапти, деса ёмонми?* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПАЛОС [*ф.* پلاس – туксиз дағал гилам; дарвешларнинг жун, қилдан тайёрланган дағал кийими] **1** Қўлда ёки машинада тайёрланадиган катта жун шолча, туксиз гилам. *Бўш турган айвонлар ҳам турлитуман гиламлар, палослар билан безалган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Супачада қизил гилам, палослар, Парқуларга ёнбошлаган бир кекса.* Ғ. Ғулом.

2 Ерга, полга тўшаладиган буюм (гилам, кигиз, шолча каби) ларнинг умумий номи. *Бир вақтлар дошқозонлар қуриладиган ўчоқлари, палос тўшаладиган супалари ҳам йўқ.* И. Раҳим, Ихлос. *Узун айвонларда палос ўрнига қора қум солиниб, бошдан-оёқ қум қолиплар тизилган.* Ойдин, Бечора.

ПАЛОЧ *шв.* Бошоғи тўкилиб кетган ёки юлинган буғдой, арпа пояси.

ПАЛПИС 1 *шв.* Пок-нопокнинг фарқига бормайдиган; ифлос, исқирт; бефарқ. *Палпис одам.*

2 Ишни эплаёлмайдиган; уқувсиз, ношуд.

ПАЛУБА [*р.* < *қад. р.* па (суфф.) + луба – йўнилган тахта] Кемаларнинг горизонтал ҳолда тахта қопланган юзаси, саҳни. *Юқори палуба. Қуйи палуба.* ▬ *Талабалар пароходга чиқишди, Ойжамол эса пароходнинг палуба, каюталаридан кўзини олмасди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ПАЛЬМА [*фр.* palme – хурмо шохи, новдаси < *лот.* palma – панжа, кафт; пальма, хурмо] Жануб томонларда ўсадиган, доим яшил, катта баргли тропик ва суб-

тропик баланд дарахтларнинг умумий номи. *Юқори синф шогирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида.. жиддий суҳбатлашмоқда эдилар.* Ойбек, Нур қидириб. *Мазкур ўрмонлар қарағай, ҳатто пальма ёнғоғи, банан сингари дарахтлардан иборат бўлган.* «Фан ва турмуш».

ПАЛЬМАЗОР Пальма билан банд, пальма ўстирилган ер, майдон.

ПАЛЬПАЦИЯ [*лот.* palpatio – пайпаслаб, силаб кўриш] *тиб.* Беморни текшириш усулларидан бири: юза тўқималар ва чуқур аъзоларни мунтазам пайпаслаш ва шу йўл билан касалликни, касаллик белгиларини аниқлаш.

ПАЛЬТО [*фр.* paletot – пальто < *лот.* palla – енгсиз, халатсимон кийим, ридо] Одатда совуқ кунларда кўйлак ёки костюм устидан кийиладиган узун устки кийим. *Қишлик пальто. Мавсумий пальто.* ▬ *Вагон деярли бўш эди. Ўртадаги ўриндиқда жигарранг пальто кийган қиз билан бир йигит ўтирар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАЛЬТОБОП Пальто тикиладиган, пальто бўладиган, пальтолик (мато). *Пальтобоп мовут.*

ПАЛЬТОЛИК *айн.* **пальтобоп.** *Пальтолик драп. Пальтолик астар.*

ПАМИЛДОРИ *с.т.* Помидор.

ПАМИЛЧОЙ [*р.* фамильный чай – оилавий, хос чой] *айн.* **қора чой**. *Халқ табобатида мурчни памилчой билан дамлаб, асал билан ичириб, шамоллаган касалларни терлатишган.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Чол бетакаллуфгина чордана қуриб ўтириб, хотини қуйиб узатган аччиқ памилчойни пуфлаб ича бошлади.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

ПАМФЛЕТ [*ингл.* pamphlet – рисолача; кичик асар] Ижтимоий-сиёсий мавзуга бағишланган, аниқ бир шахс ёки ижтимоий ҳодисани мазах қилиб, уларнинг иллатларини фош қилишга қаратилган кичикроқ публицистик асар. *Маълумки, ўзбек прозасининг дастлабки босқичида сатирик ҳикоялар, памфлет, кулгили ҳангомалар жуда кўп яратилган.* «ЎТА».

ПАМФЛЕТЧИ Памфлет ёзувчи адиб ёки журналист.

ПАН [*пол.* pan – жаноб] **1** *тар.* Россия империяси ғарбида ва Польшада катта ер эгаси, помешчик.

2 Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида эркакларга ҳурмат юзасидан мурожаат қилганда, «жаноб», «тақсир» маъноларида ишлатиладиган сўз.

ПАН- [*юн.* pan – барча, ҳамма] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, «умумий хосса-хусусият, барча нарсани қамраб олиш, барча нарсага алоқадорлик» маъноларини билдиради (мас., *панзоотия*).

ПАНА [*ф.* پناه – бошпана; хавфсиз жой; ҳимоя; ҳомийлик] **1** *от* Бошқаларнинг назаридан яширадиган ёки бирор нарса таъсиридан сақлайдиган, ҳимоя қиладиган жой, нарса, тўсиқ. *Ёмғирдан пана изламоқ. Панада турмоқ. Томнинг панасига яширинмоқ.* ▬ *Лаъли шу зулмат қучоғига кирганда, ўзини бир дарахт панасига олиб, орқасига қаради.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ширин, симчироқ ёритиб турган остонадан ичкарига қадам қўйиши билан, мушукдай келадиган сариқ ит акиллаб, оёғига ёпишди. У қўрқиб, жирканиб, кампирнинг панасига ўтди.* «Ёшлик».

2 *сфт.* Бировнинг назари тушмайдиган ёки бирор нарса таъсиридан паналанган, ҳимоя қилинган, тўсилган. *Чироқ шишасини рўмолим билан пана қилиб, ҳовлига тушдим. Ёмғир ҳамон эзмаланиб ёғарди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Куёвликдан ёдгор бўлган беқасам чопони билан юзини қордан пана қилиб, йўлакка борди. Пастак эшикнинг ҳалқасидан ушлаб тортди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Фақир (*ёки* **ғариб) киши панада** Ҳар нарсага аралашавермай, камтарлик билан ўзини четга олиб юрадиган киши. *Ақли бор одам «фақир киши панада» қабилида ўзини четга олиб, ишини ўхшатиб юраверади.* В. Ғофуров, Вафодор. *Ғариб киши панада, Пўстини сомонхонада.* «Халқ дурдоналари».

ПАНАЛАМОҚ 1 Назардан, бирор киши ёки нарсадан яширмоқ, беркитмоқ. *Машинани ёмғирдан паналамоқ.*

2 Ўзини панага олмоқ, бирор нарса панасига олмоқ, орқасига яширинмоқ. *Бирон тайинли хулосага келолмагач, паналаб, маслаҳатгўйи Азимбойваччанинг қўрғонига жўнади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шербек йўғон, учи кавак толни паналаб тўхтади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўрмонни паналаб юриб, немисларга дуч келишди.* «Шарқ юлдузи».

3 Тўсиб, бекитиб турмоқ. *Маъсумаойни паналаб турган қизча қизил сочидаги бантини шошилиб тузатди-да, олдинга чиқди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ПАНАМА [*фр.* panama – Панама Республикаси номидан] Сербар соябонли ёзлик шляпа; ушбу бош кийими ўзи тарқалган жой номи билан аталган. *Жангчилар байрам олдидан олган панамаларини ҳўллаб олган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Юзини беркитиб турган, теграси гулдор боғичли похол панама ҳам унинг нафасидан қимирлаб қўяди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПАНБАРХАТ [*р.*] Духобага ўхшаш, тукли юпқа шойи мато. *Зокир Фаридага пушти гулли панбархат ҳадя қилган.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ПАНГ 1 Ўзаги қуриб, бўш бўлиб қолган. *Панг сабзи. Панг шолғом.*

2 *кўчма* Ноаниқ, ёқимсиз, пўнғиллаган. *[Амин] Негадир устунни қимирлатиб ҳам кўрди, сўнгра Қобил бобони чақирди ва панг товуш билан деди.* А. Қаҳҳор, Ўғри. *Эҳсоннинг кўзлари ночор жавдиради, сўнг панг овозда бидиллаб кетди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ПАНД I [*ф.* پند – маслаҳат, ўгит, насиҳат] *кт.* Ўгитли гап, сўз, ўгит, насиҳат. *Панд бермоқ (айламоқ).* ▬ *Қол, деганда қонлар ютиб қолмадим, Отам пандин қулоғимга олмадим.. Беш юз йиллик йўлдир сенинг маконинг.* «Фольклор». *Мана бугун яна бир панд бериб, насиҳат қилмоқчи бўлиб келган эдим, тузук, иш ўнгланиб кетганга ўхшайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ПАНД II [*ф.* پند]: **панд бермоқ** Алдамоқ, аврамоқ, лақиллатмоқ, алдаб зиён келтирмоқ, фириб бермоқ. *Вафо бўлмас хоиннинг севгисида ҳеч! Панд беради бир куни: хоҳ эрта, хоҳ кеч.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [*Миша:*] *Миянгни ишлат, ҳийла билан душманга панд бер.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. **Панд емоқ** Алданмоқ; алданиб, зарар-зиён кўрмоқ, фириб емоқ. *Яхшидан қанд ейсан, ёмондан – панд* (ейсан). Мақол. ▬ *Қариганингда панд емаслик учун болангни талтайтирма.* «Ёшлик».

ПАНДАВОҚИ Гапга, унча-мунчага тушунавермайдиган; калтафаҳм, анқов. *Ўзи ҳам пандавоқи, гўл эди, у билан мозорга шамчироқ бўлармидингиз?* А. Мухтор, Туғилиш. -*Ўзингизни гўлликка солманг, – деди йигит жеркиб. – Ё ҳеч нарса тушунмайдиган пандавоқи деб ўйлаяпсизми?* У. Назаров, Биринчи учрашув.

ПАНДАВОҚИЛИК Пандавоқига хос, пандавоқига оид. *Пандавоқилик қонда бўлса қийин экан, буларнинг авлиёсининг ҳам ҳеч балога ақли етмайди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ПАНДЕМИЯ [*юн.* pandemia – бутун халқ < pan – бутун, барча + demos – халқ] *тиб.* Эпидемик касалликнинг бир мамлакат, бир неча мамлакат ёки қитъада ёппасига тарқалиши.

ПАНД-НАСИҲАТ Панд ва насиҳат(лар), ўгит ва насиҳат(лар). *Шодиёр кенжа ўғил эмасми, отасининг бу тахлит панд-насиҳатларини кўп эшитган.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Вақт алламаҳал бўлганда, ёшларга панд-насиҳат қилиб, бу ёғига ширин турмуш тилаб, Муҳсинали акалари чиқиб кетишди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ПАНДНОМА [*ф.* پندنامه – насиҳатнома] Насиҳатлардан иборат китоб, панду насиҳатлар китоби, насиҳатнома.

ПАНЕЛЛИ Панели бўлган, панеллардан қурилган. *Йирик панелли уй.* ▬ *..маиший объектларни йирик панелли вариантга ўтказиш сингари тадбирлар бор.* Газетадан.

ПАНЕЛЬ [*нем.* Paneel < *лот.* pannellus – мато бўлакчаси, лахтак] **1** *бнк.* Бино, хона ичидаги деворнинг тахта-ёғоч, пластмасса ёки мой-бўёқли безак қопламаси. *Кўк бўёқли панель. Ёнғоқ дарахтидан ишланган панель.*

2 *бнк.* Заводда тайёрланиб, қурилишда ишлатиладиган йирик ўлчамли ясси темирбетон ёки ёғоч плита. *Йирик панеллардан қурилган уй.*

3 *махс.* Электр тармоқлари, бошқариш пульти, радиотехник асбоб ва б. нинг сигнал берувчи, назорат қилувчи, ўлчовчи ускуналар ўрнатиладиган олд девори.

ПАНЖА I [*ф.* پنجه – қўл бармоқлари; чангал; бешлик] **1** Қўлнинг кафт ва бармоқлардан иборат қисми. *Раис.. кенг панжаси билан пиёлани қоплади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Акбарали ҳансирар, панжалари пичоқ дастасини шундай қаттиқ қисиб ушлаган эдики, бўғинлари кўкариб, қон талашиб кетган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *с.т.* Бармоқ. *У буни беш панжасидай билади.* ▬ *Закот бобидаги барча таомил, қоида ва тартиб каминага беш панжадай*

аён. Ойбек, Навоий. *Элмуроднинг панжалари орасида пуфакчалар пайдо бўлибди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Иккита панжаси шартта узилиб тушди-ю, жон ҳолатда бир қўли билан осилиб, тутдан тушди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Беш панжани оғзига урмоқ (*ёки* **тиқмоқ**) *қ.* **беш** I. -*Сенга неча марта айтдим, — ярим танасини деразадан чиқариб, укасини койиди Малик муаллим, — нафсингни тий, беш панжангни оғзингга тиқма.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Панжа орасидан қарамоқ** Ишга, масалага расмиятчилик, совуққонлик, бепарволик билан қарамоқ. *Нега унинг қилмишларига панжа орасидан қарайсиз?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Баъзи ҳайвон ва қушлар оёғининг уч қисми; чангал. *Айиқнинг панжаси. Бургутнинг панжаси. Ёш қўл — арслон панжаси.* Мақол. ▬ *Қиррадор тошларга панжалари билан ёпишиб олган калтакесаклар нурсиз кўзларини бақрайтириб, тилларини чиқариб қўйишарди.* «Ёшлик».

4 *кўчма* Исканжа, тутқунлик; тобелик. *Бу баҳонада у бечорани ҳам золимнинг панжасидан қутқазиб, ўз севганига қўшиб олиб кетурмиз.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Ўнлаб қишлоқни ўз панжасида ушлаб турган Саид Жалолхон эшоннинг панд-насиҳатлари кучлилик қиларди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ПАНЖА II Панжа кўринишидаги шакллари бўлган билагузук тури.

ПАНЖАРА [*ф.* پنجره – дераза; панжара] Орасини очиқ қилиб, ёнма-ён бирлаштирилган сим, таёқ, темир, сопол, ганч ёки тахтачалардан тайёрланган ёхуд ўйиб ясалган тўсиқ. *Темир панжара. Дераза панжараси.* ▬ *Аммо Анвар ҳамон сўри панжарасига тирсагини тираганча.. оёқларини чалиштириб, хотиржам турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳозир ўша девор ўрнида тароққа ўхшаган чиройли панжара қўндиришибди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Пишиқ ғиштдан болохонадор қилиб солинган каттакон уй.. деразаларига темир панжаралар тўсилган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАНЖАРАГУЛЧИН [панжара + *ф.* گلچین – гул терувчи, узувчи; танланган, сараланган] Ўйма панжаралар билан безатилган; жимжимадор, серҳашам. *Панжарагулчин темир дарвоза икки томонга қулочини ёзиб, тарвақайлаб очилди.* «Муштум». -*Хўп, омонат кассадаги пулдан жиндак олинг, ғалати панжарагулчин тахта девор қилдириб бераман, — деди [Ҳамдам].* Уйғун, Асарлар.

ПАНЖАРАДОР [*ф.* پنجره‌دار – панжараси бор] *айн.* **панжарали.** *Баланд қад кўтарган минора ва қуббалар, панжарадор чиройли болохоналар унинг кўз олдидан бирма-бир ўтаверди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қарчиғайни Мирёқубга топширгач, панжарадор айвонга чиқди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

ПАНЖАРАЛИ Панжараси бўлган, панжара ўрнатилган, панжара билан тўсилган. *Панжарали дераза.* ▬ *Парк ёпилишига яқин иккови қўл ушлашиб, яшил панжарали дарвозадан шод-хуррам чиқиб кетишди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Кираверишда, ўнг томонда ташқаридагидек панжарали зина ҳовли бўйлаб тушган иккинчи болохона айвонига олиб чиқади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ПАНЖАРАСОЗ [*ф.* پنجره‌ساز – панжара ясовчи] Панжара ясовчи уста.

ПАНЖАРАСОЗЛИК Панжара ясаш билан шуғулланувчи тармоқ. *Ўзбек халқ амалий санъатининг кенг тарқалган турларидан бири панжарасозлик ҳисобланади.* Газетадан.

ПАНЖШАНБА [*ф.* پنج شنبه – бешинчи шанба] *кт. айн.* **пайшанба**. *Баҳор айёми, бир панжшанба куни Мир Алишер мавлоно Абдураҳмон Жомий билан Гозургоҳдин хиёбон сари борур эркамлар.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ПАНЖШАНБАЛИК *кт. айн.* **пайшанбалик.** *Анвар ўқишни давом эттирар, қорни панжшанбалик нонлар билан тўқ, уст-боши ямоқ бўлса ҳам, яланғоч эмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ПАНЗООТИЯ [пан.. + *юн.* zoon – ҳайвон] Ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликнинг бутун мамлакат, бир қанча мамлакат, қитъа бўйлаб жуда тез ва кенг тарқалиши.

ПАНИСЛОМИЗМ [пан.. + ислом] *сиёс.* 19-аср охирида Яқин ва Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган, ислом динидаги барча халқларни ягона мусулмон давлатига бирлашишга даъват қилган диний-сиёсий оқим.

ПАНКРЕАТИТ [*юн.* pankreas, pankreatos – меъда ости бези + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Меъда ости безининг яллиғланиши.

ПАННО [*фр.* panneau – мато бўлаги] **1** *архит.* Девор ва шифтнинг атрофи ҳошия билан ўралган ва бўртма сурат ёки нақшлар билан безатилган қисми. *«Ўзбекистон» меҳ-*

монхонаси биноси фестиваль эмблемаси акс эттирилган жозибали панно билан безатилган. Газетадан.

2 Махсус жойларга мўлжаллаб ишланган рангтасвир асари ёки бўртма тасвир. *Хиёбонга Ватан ботирларининг қаҳрамонликлари ёзилган лавҳалар, паннолар, суратлар қўйилади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Қадим қалъа деворига ёпиштириб ишланган паннода Хоразмнинг узоқ ўтмиши ва бугуни ранг-баранг кошинлар жилосида ўз аксини топган.* Газетадан.

ПАНО [*ф.* پناه – бошпана; ҳимоя] *с.т. айн.* **паноҳ.** *Тақдирнинг балоси кўп, сақласа – паноси кўп.* Мақол. ▬ *Парвардигор панодир, ҳолин билган донодир, Гўрўғлидин дуо олиб, Ҳасан полвон жўнади.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ПАНОРАМА [пан.. + *юн.* horama – кўриниш] **1** Бирор жойнинг узоқ уфққа қадар кўриниб турадиган теварак-атроф манзараси. *-Бу ердан ҳамма ёқ яққол кўринади, – деди у [Комилжон], йироқ-йироқларга қулоч ёйган қурилиш панорамасини кўрсатиб.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Кечқурун дарёдан қараганда, шаҳарнинг гўзал панорамаси чирой кўрсатади.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда.

2 Тасвирий санъат тури; айлана шаклли зал деворига горизонтал қоплаб ишланган, томошабинга ҳақиқий манзарадай кўринадиган жуда катта сурат. *Севастополь панорамаси.*

3 *ҳарб.* Тўп, замбарак каби отиш қуролларида: аниқ мўлжалга олиш учун хизмат қиладиган оптик бурчак ўлчагич асбоб.

Панорама(ли) кинотеатр Панорама фильмларни намойиш этишга мўлжалланган кинотеатр. **Панорама фильм** Катта ярим доира экранларда ёки томошабинлар чор атрофини ўраб оладиган экранларда намойиш этишга мўлжалланган, махсус аппаратларда суратга олинган ва кўрсатиладиган фильм. *Панорама фильмни кўрмоқ.*

ПАНОҲ [*ф.* پناه – бошпана; ҳимоя, ҳомийлик; муҳофаза] **1** Сақлаш, асраш, ҳимоя қилиш қобилияти ёки қудратига эга бўлган кимса, нарса; ҳимоя; ҳомий. *Иссиқдан паноҳ топмоқ.* ▬ *Бошига оғир кунлар келганда, Хўжанд аҳли яна шу эски қалъага паноҳ излаб келди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Паноҳ бўлди бизга бу ўрмон, Кўплар биздай асрар бунда жон.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

2 *кўчма* Ҳимоя, ҳомийлик. *Мулла Фазлиддин Қувада турган пайтларида Тоҳирга хат-савод ўргатган эди. Энди жияни паноҳ истаб борса, қаноти тагига олиши мумкин.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Зайнаб қолди бечора якка, Кимса келмас унга кўмакка, На бир паноҳ, на бир ошиён, На бир ғамхўр, на бир меҳрибон.* Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон. *Барча улуғларга ялиндим, ёлвордим, йиғладим, сиқтадим. Мана энди охирида сизнинг паноҳингизга келдим.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *кўчма* Ҳимоячи, яқин киши, дўст. *Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёҳу, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан. Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.* А. Орипов, Йиллар армони. *Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул, Онам бошига ҳам бордингмикан, айт?! Унинг оромгоҳи бундан олис жой, Олисда ётибди менинг паноҳим.* А. Орипов, Йиллар армони.

Паноҳ тортмоқ Ҳимоясига суянмоқ. *Ҳеч бўлмаса, бирон ишга жойлаб қўйинг. Мен сизга паноҳ тортиб келдим.* С. Зуннунова, Гулхан. **Пушти паноҳ** Энг ишончли ҳимоячи, ҳомий. *-Эй, ҳикмат аҳлининг пушти паноҳи, – деб гап бошлади Ибн Сино таъзим қилиб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Лекин бу амалдорлар телефонни мўлжалга олиб, оёқяланг югуриб қолардилар, ўз пушти паноҳларига қўнғироқ қилишарди.* Газетадан. *Унинг мақтаб тилга оладиган бирдан-бир пушти паноҳи шу Турсунхўжабой эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАНОҲКОР Ҳимоя, паноҳ бўла олувчи. *У одам Жаҳонгирни паноҳкордай билиб қолган эди.* «Шарқ юлдузи».

ПАНОҲСИЗ Ҳимоясиз, ҳимоячисиз, ҳомийсиз. *Ҳеч қандай паноҳсиз қолган Зайнаб очиқ-сочиқ юришдан жуда хавотирланар ва бир илож қилиб, ўз бошимни беркитиб олсам, деб ўйлар эди.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ПАНСИОН [*фр.* pension < *лот.* pensio – тўлов, бадал] **1** Баъзи чет мамлакатларда аристократ болалар учун очилган махсус (ётоқхонали) хусусий ёки давлат ўқув-тарбия муассасаси.

2 Айрим мамлакатларда: истиқомат қилувчиларни барча нарса, жумладан, озиқ-овқат билан таъминлайдиган меҳмонхона.

ПАНСИОНАТ [*фр.* pensionnat] Истиқомат қилувчиларни барча зарурий шарт-шароитлар (озиқ-овқат, ётоқ, автомашина учун жой) билан тўла таъминлайдиган меҳмонхона, санаторий, дам олиш уйи. *-Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтадилар-да. Қани энди, ташкилотларимиз шу тоғлар орасига пансионатлар қуришса.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Жиззах қариялар пансионати ташриф буюрувчиларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.* Газетадан.

ПАНТЕИЗМ [пан.. + *юн.* theos – худо] *дин. флс.* Худо табиат билан бир нарса, улар бир бутунни ташкил қилади, деб қарайдиган диний-фалсафий таълимот. *Пантеизм ва деизм ўрта аср шароитида илғор фалсафий ғояларни олға суришнинг энг муҳим шакли эди.* «Гулистон».

ПАНТЕИСТ Пантеизм тарафдори.

ПАНТЕИСТИК Пантеизм ва пантеистга оид. *..бу бир қирраси билан худога интилиш – пантеистик ғояларга йўл очган.* «Фан ва турмуш».

ПАНТЕОН [*юн.* pantheon – барча худолар макони] **1** *тар.* Қадимги Римдаги «барча худолар ибодатхонаси» – ярим доира шаклидаги қиррадор гумбазли иншоот.

2 Буюк, машҳур кишилар дафн этилган ёки уларнинг жасадлари сақланадиган маҳобатли бино.

ПАНТОМИМА [*юн.* pantomimos – барча нарсани тақлид билан ифодаловчи] Кишининг кечинмаси, фикрлари, ҳаёт лавҳалари, инсон характерлари фақат тана ҳаракати, мимика ва имо-ишоралар билан ифода этиладиган сўзсиз театр томошаси.

ПАНТОМИМИК Пантомимага оид. *Пантомимик томоша. Пантомимик ҳаракат.*

ПАНТУРКИЗМ [пан.. + туркий] *тар.* Туркий халқларни бирлаштириш ғоясини илгари сурган оқим. *Халқимиз тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишига қарамай, пантуркизмни ва «Буюк Турон» шовинистик ғоясини қатъиян рад этди.* Газетадан.

ПАНТУРКИСТ Пантуркизм тарафдори.

ПАНШАХА [*ф.* پنج شاخه – беш шохли] Одатда бешта эгри санчиғи бўлган, пахта, хашак кабиларни олиш, суриш учун ишлатиладиган узун сопли асбоб. *Оппоқ соқолли чол қўлидаги пахта ағдариб турган паншахасини бош узра кўтариб, бир-икки силкиди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *Сўнг қўлидаги паншахани гўнгтепа четига санчиб, уйга томон ошиқди.* «Шарқ юлдузи».

Қўлини паншаха қилмоқ Қўлни тингловчи томон чўзиб, бармоқларини кериб, дағдаға қилмоқ. *Қори қўлини паншаха қилиб, ўзини оқлай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАПА I**: папа қилмоқ** *бол.* Яширмоқ, бекитмоқ. *Коптокни папа қил.*

ПАПА II [*лот.* papa < *юн.* pappas – ота] Католик черкови ва Ватикан давлатининг раҳбари. *Рим папаси.*

ПАПАЛАМОҚ *с.т.* Паҳпаҳламоқ, ардоқламоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ. *Бевалигига қарамай, папалаб ўстираётган тўнғич қизининг дарди Солия опани гангитиб қўйган эди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *[Кампир:] Барака топсин, худди ўз боласидек папалаб қараяпти-я.* Газетадан.

ПАПАХ Мўйнаси сиртга қилиб тикилган чўзинчоқ телпак. *Туркманча папах.* ▬ *Бошига қоракўл папах кийган бир турк офицери нима ҳақидадир қизишиб гапирмоқда.* С. Аҳмад, Ҳукм. *У [қулжаллоб] чўмичдай бурнини жийириб, бошидаги катта папахини тўғрилаб қўйди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ПАПАҚ *қ.* **попоқ.**

ПАПИРОС [*нем.* Papier < *лот.* papyrus < *юн.* papyros – қоғоз] Чекиш учун ичига тамаки тиқилган қоғоз найча. *Папирос чекмоқ.* ▬ *Чекканда ҳам кошки дурустроқ папирос чекса.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бир ҳафтагача ҳамма нарсадан папирос ҳиди келиб туради.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПАПИРУС [*лот.* papyrus < *юн.* papyros – қоғоз] **1** Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган қамишсимон кўп йиллик ўсимлик.

2 Қадимги мисрликлар ва бошқа халқлар томонидан шу ўсимлик пояси тилимларини елимлаб ёпиштириб, ўрама шаклида тайёрланган, қоғоз ўрнида фойдаланилган материал. *Рассомларнинг асарлари, папирус ва терига битилган йилномалар сил касали, ўпка касали каби дардлар тўғрисидаги маълумотларни етказиб келган.* «Фан ва турмуш».

3 Шундай материалга ёзилган қадимги матн. *Миср папирусларини ўрганиш.*

ПАПКА [*нем.* Pappe – картон] Қоғоз, хат-ҳужжатлар солиб қўйиладиган, картон, чарм ва ш. к. дан ясалган жилд ёки муқова.

Умид ғаладон ичидаги қора чарм папкасини олди. Унинг боядан бери нима бўлаётганига ҳеч ақли бовар қилмас эди. Мирмуҳсин, Умид. *У учинчи папкани жаҳл билан суриб қўйди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ПАПОРОТНИК [*р.* папороть – қанот, пат < *юн.* pteron – қанот] Гулсиз, спорали, йирик баргли ўсимлик.

ПАР I [*ф.* پر – пат; қанот; япроқ] **1** *от* Парранда танасини қоплаб турадиган юмшоқ ва нафис пат. *Товуқнинг пари.* ▬ *Яйраб ҳаволарда бир қуш учади.. Чарчаркан, симларни секин қучади, Юмшоқ парлар билан ёпиб юзини.* Ҳ. Олимжон.

2 *сфт.* Ичида пари бўлган, пар солинган. *Пар ёстиқ. Пар тўшак.* ▬ *Кенг тахта каравот. Устига чойшаб ёпилиб, катта пар ёстиқ қўйилган. Деразага оқ шоҳи парда тутилган.* С. Нуров, Нарвон. *Чўтир хола уни гапга тутмай, пар ёстиқ билан янги атлас кўрпани тахмондан олиб, Умид устига ташлади.* Мирмуҳсин, Умид.

3 *кўчма айн.* **паға 2.** *Ёш бургут учмоқда кўкда шиддаткор, Кумуш булутларнинг тўзғитиб парин.* А. Орипов, Йиллар армони. *Пар булутлар, марварид қорлар Юксак чўққи узра қўйган бош.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАР II [*р.* пара < *нем.* Paar < *лот.* par – бир хил; тенг] **1** *айн.* **жуфт 3**. *Бир пар этик.* ▬ *Кечқурун.. пар отли извош кўчанинг бошида тўхтаб, ундан терговчи тушди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Уйда оёқ кийими бир неча пар: чувак, маҳси, сандал, калиш, туфлилар.* Ғ. Ғулом.

2 Бирга ишлатиладиган иккита бир хил нарсанинг бири, биттаси. *Пари йўқ пайпоқ.*

3 Ўз хислатлари билан бир-бирига мос, тенг икки кишининг бири. *Бу йигит сенга пар эмас.* ▬ *Қизим бор эди якка, исми Қамар, Оз эрди ҳусн бобида унга пар.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Таърифу тавсифингиз қилсам агар, афандим, Баджаҳллик бобида йўқ сизга пар, афандим.* «Гулдаста».

ПАР III [*р.* пар < *лот.* vapor – буғ; буғланиш; иссиқлик] **1** *с.т. қ.* **буғ**. *Суюқликнинг парга айланиши. Хонани пар билан иситмоқ.*

2 Қаттиқ моддаларнинг буғга айланган ҳолати. *Камфара пари. Симоб пари.*

ПАРА [*р.* пара < *нем.* Paar < *лот.* par – бир хил; тенг] *с.т.* Иккита 45 минутдан иборат 90 минутли ёки иккита 40 минутдан иборат 80 минутли дарс соати. *Бир пара қолиб кетсанг, бир ҳафта ўзингга қийин бўлади.* Т. Ашуров, Оқ от. *-Бизда ҳозир гистология, бир пара ўқиб чиқаман, сен кўчада кутиб тур, хўпми, Мурод, – деди қиз атрофга олазарак боқиб.* Т. Ашуров, Оқ от.

ПАРА- [*юн.* para – ёнида, яқинида; ташқари(да)] *тлш.* Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: «бирор нарсанинг яқинида ёки ундан четлашиш, узоқлашиш; ўзгариш» каби маъноларни билдиради (мас., *парамагнетизм*).

ПАРАБОЛА I [*юн.* parabole – чоғиштириш; ёнма-ён жойлаш(тир)иш; рамзли ҳикоя] *мат.* Очиқ, ясси эгри чизиқ; тўғри конуснинг унинг ясовчиларидан бирига параллел текислик билан кесишишидан ҳосил бўлади.

ПАРАБОЛА II Бадиий адабиётда рамзга мойил киноявий образ; рамз ва рамзий ҳикоя ўртасидаги адабий тур.

ПАРАБОЛИК *мат.* Парабола шаклига эга бўлган; парабола шаклидаги. *Параболик орбита. Параболик антенна.* ▬ *..уй томида параболик антеннанинг улкан косаси ялтираб турибди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ПАРАВУЗ *шв. айн.* **адип**. *Чопоннинг паравузи.*

ПАРАГРАФ [*юн.* paragraphos – ёнма-ён, яқин ёзилган] Китоб, мақола каби матнларнинг маъно жиҳатидан мустақилликка эга бўлган, одатда § белгиси орқали ёки тартиб сон билан кўрсатиладиган қисми; § белгисининг ўзи. *Боланинг мияси шундай мияки, чунончи.. бизнинг молия тили билан айтганда, алоҳида параграф.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ПАРАД [*фр.* parade < *исп.* parada – тўхташ, етиб келиш жойи < *лот.* paro – тайёр қиламан, тайёрлайман] **1** Қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган тантанали кўрик. *Мардоналик парадини бошласак агар, Қизғин қуёш бошимиздан тўкиб қолур зар.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

2 Спортчилар, мактаб ўқувчилари кабиларнинг тантанали юриш кўриги. *[Мирвали Эралига:] Қандоқки мажлис бўлса, фронтовик, деб президиумга чиқазаман. Ёдгорлик очилишида сизни эл танисин, катталар назарига тушсин, деб атайин отлар парадини ташкил қилдим.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПАРАДИГМА [*юн.* paradeigma – мисол, намуна] *тлш.* **1** Тил бирликлари, грамматик шаклларнинг умумий маъносига кўра бирлашувчи, хусусий маъносига кўра фарқланувчи тизими.

2 Бирор сўзнинг турланиш ёки тусланиш шакллари тизими.

ПАРАДОКС [*юн.* paradoxos – кутилмаган, ғалати] Кўпчилик томонидан қабул этилган анъанавий фикр, тажрибага ўз мазмуни ва шакли билан кескин зид бўлган, кутилмаган фикр, мулоҳаза. *Парадокс пайдо бўлишининг асосий сабаби инсон билиш жараёнининг мураккаб диалектик характерга эгалиги ва бунда шакл ва мазмуннинг ўзаро зиддиятли муносабатда бўлишидадир.* «ЎзМЭ».

ПАРАЗИТ [*юн.* parasitos – текинхўр; ҳамтовоқ] **1** *сфт. биол.* Бошқа организмларнинг танасида ёки ичида яшаб, унинг ҳисобига озиқланувчи жонивор ёки ўсимлик. *Паразит ўсимлик. Паразит ҳайвон.*

2 *кўчма* Бошқалар меҳнати ҳисобига яшовчи: ҳаромтомоқ, текинхўр. *Паразит синфлар.*

3 *сўк.* Текинхўр, балохўр, ифлос. *Қаердан пайдо бўлдийкин бу паразит?* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ПАРАЗИТИЗМ [*юн.* parasitos – текинхўр; ҳамтовоқ] *биол.* Бирор паразит организмнинг бошқа организм танасида, унинг ҳисобига, унга зарар келтирган ҳолда яшаши.

ПАРАЗИТОЛОГ Паразитология мутахассиси.

ПАРАЗИТОЛОГИЯ [паразит(лар) + *юн.* logos – билим, таълимот] *биол.* Паразитлар ва паразитизм ҳодисалари ҳақидаги фан. *Паразитология илмининг хабар беришича, бир хил йилтироқ пашша бор, у баъзида бақанинг тумшуғига яқин келиб, ғинғиллаб уча беради.* Мирмуҳсин, Умид.

ПАРАЛИЧ [*юн.* paralysis – дармон қуриши, бўшашиш] *қ.* **фалаж.**

ПАРАЛЛЕЛ [*юн.* parallelos – ёнма-ён борувчи] **1** *мат.* Бир текисликда ётган ва ҳар икки томонга давом эттирилганда ҳеч қачон ўзаро кесишмайдиган; мувозий, ёндош. *Параллел тўғри чизиқлар. Параллел текисликлар.*

2 Бир томонга қараб йўналган ва бирбиридан деярли тенг узоқликда ёнма-ён жойлашган. *Параллел кўча. Параллел жўяклар.*

3 *кўчма* Айни бир вақтда мавжуд бўлган ёки давом этадиган воқеа-ҳодиса (бир-бирига нисбатан). *Ўқиш йилининг ярмида «А», «Б» бўлиб келган параллел синфлардан ўн олти киши териб олиниб, қолганлари бирлаштирилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Билимдонлик билан гапдонлик ҳар доим параллел юра олмайди.* «Саодат».

4 *тлш.* Бир хилдаги, турдаги. *Бунда синтактик параллел қаторлар тўртликда мунтазамлик ва бир бутунликни юзага келтирган.* «ЎТА».

ПАРАЛЛЕЛЕПИПЕД [параллел + *юн.* epipedon – текислик] *мат.* Қарама-қарши ёқлари ўзаро параллел ва тенг параллелограммлардан иборат олти ёқли геометрик жисм.

ПАРАЛЛЕЛИЗМ [*юн.* parallelos – ёнма-ён борувчи] **1** *мат.* Тўғри чизиқларнинг текисликдаги ва текисликларнинг фазодаги ўзаро кесишмаслик хоссаси; параллеллик. *Текисликлар параллелизми. Чизиқлар параллелизми.*

2 *кўчма* Айни бир ишнинг ўзаро келишмасдан бир вақтда бажарилиши, бирбири билан тўлиқ мос келиши, бир-бирини такрорлаши. *Ишдаги параллелизм.*

3 *тлш.* Ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши.

4 *ад.* Бадиий матннинг ўзаро боғлиқ қисмларидан нутқ унсурларининг ўхшаш ёки айнан бир хилда жойлашувини тақозо этувчи поэтик нутқ усулларидан ва тасвир воситаларидан бири.

ПАРАЛЛЕЛОГРАММ [параллел + *юн.* gramma – чизиқ] *мат.* Қарама-қарши томонлари тенг ва параллел тўртбурчак.

ПАРАЛЛЕЛЬ [*юн.* parallelos – ёнма-ён борувчи] **1** *мат.* Ўзаро ёндош чизиқларнинг ҳар бири. *Бирор чизиққа параллель ўтказмоқ.*

2 *геогр.* Ер юзасидан экваторга параллел ҳолда ўтказилган шартли, фаразий чизиқлардан ҳар бири. *Боку билан Тошкент бир параллелда ётади.* «География».

ПАРАМАГНЕТИЗМ [пара.. + магнетизм] Ташқи магнит майдонига киритилган жисмларнинг шу майдон йўналишига мос йўналишда магнитланиш хоссаси.

ПАРАМАЧ Қиздирилган ёғда пишириладиган сомса турларидан бири.

ПАРАМЕТР [*юн.* parametron – ўлчаб ажратувчи] **1** *мат.* Математик формулада қўлланадиган ва ўзининг маълум қийматида шу тенглама билан ифодаланган муно-

сабатлардан муайян бирига олиб келадиган миқдор.

2 *физ. тех.* Бирор технологик жараён, ҳодиса, тизим, техник қурилма ва б. нинг асосий хусусиятларидан бирини ифодалайдиган миқдор. *Электр лампа параметрлари.* ▬ *Протоплазманинг физик параметрлари унинг [ҳужайранинг] сиртида мембрана бўлиши кераклигидан далолат берарди.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Бирор воқеа-ҳодисани тавсифлаш ва баҳолаш учун зарур бўлган белги, мезон. *Рўйхат тузувчиларнинг фикрича, университетнинг ўтган йилларда айрим параметрлар бўйича кўрсаткичлари пасайган.* Газетадан. *Янги йилга мўлжалланаётган Давлат бюджети лойиҳасининг параметри устида тўхталдилар.* Газетадан.

ПАРАМЕТРИТ [пара.. + *юн.* metra – бачадон + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Бачадон атрофидаги ёғ тўқимасининг яллиғланиши.

ПАРАНГ 1 *с.т. қ.* **фаранг 2.** *Юқоридан келаман от ўйнатиб, Қўлимда паранг милтиқ – қуён отиб, Қуёним пешонаси қашқа экан. Йигитлар, кўнгил ови бошқа экан.* Т. Тўла, Асарлар. -*Чинор домлага теккандан кейин паранг рўмол, шоҳи кўйлакларни кийиб, бир очилиб кетди-ей занғар! – деди Ботирали.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

2 *қ.* **фаранг 3.** *Устаси паранг экансан-да! Ахир бу Ғофир ҳам ҳийла-найрангни хўжайинидан таълим олган-да.. Бунинг муддаоси бўлак!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ПАРАНЖИ [*а.* فرجيّه – шайхларнинг ҳам ўзи, ҳам енги кенг устки кийими] *этн.* Кўпчилик мусулмон аёллар бегона эркакларга очиқ кўринмаслик учун бошга ёпиниб юрадиган, бичими кенг ва узун тўн шаклидаги, сохта енгли ёпинғич (юз чачвон билан беркитилади). -*Болаларни рўйхатга олиб келамиз, – деди Тозагул қозиқдан паранжисини олиб, бошига ёпина туриб.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Зайнаб ёш, ҳали паранжи ёпинишга улгурганича йўқ эди.* Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон. *Бойнинг хотини аравадан тушиб, уйга кириб, паранжи-чачвонини отиб ташлаб, кўзини ёшлабди.* «Луқмони Ҳаким».

ПАРАНЖИЛИ Паранжи ёпинган ёки ёпинадиган. *Ёшлар, кексалар, паранжисиз ва паранжили қизлар, жувонлар.. бир қайғу, бир алам доғини чекар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАРАНЖИСИЗ Паранжи ёпинмаган ёки ёпинмайдиган, бепаранжи, очиқ. *Паранжисиз аёл.* ▬ *[Чол:] Биз сизлардек чоғимизда етти-саккиз яшар қиз бола ҳам кўчага паранжисиз чиқа олмас эди-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАРАПРОКТИТ [пара.. + *юн.* proktos – орқа чиқарув тешиги, йўли + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Орқа чиқарув тешиги ва тўғри ичак атрофидаги тўқималарнинг яллиғланиши.

ПАРАТИФ [пара.. + ва *юн.* typhos – онгнинг хиралашиши, эснинг пасайиши] *тиб.* Ич терлама касаллигига ўхшаш, турли бактериялар таъсирида келиб чиқадиган оғир юқумли касаллик.

ПАРАФИН [*нем.* Paraffin < *лот.* parum – оз, сал + affinis – яқин, ўхшаш; кўпчилик реактивларга нейтраллиги сабабли шундай аталган] Нефтдан олинадиган, қаттиқ углеводородлар аралашмасидан иборат оқиш, баъзан сарғиш мумсимон модда. *Парафин билан даволаш. Парафин шам.* ▬ *Сунъий совуқ парафин синтетик бўёқлар тайёрлашда иш беради, резина саноатида ҳам ишлатилади.* «Фан ва турмуш».

ПАРАШЮТ [*фр.* parachute < parer – олдини олмоқ, ҳимояланмоқ + chute – тушиш, йиқилиш] Учиш аппаратларидан сакраш ва юк тушириш учун белгиланган, ҳавода соябонсимон очилиб кетадиган, пишиқ тўқимадан ясалган мослама. *Парашют билан сакрамоқ. Парашютда тушмоқ. Парашютда озиқ-овқат ташламоқ.* ▬ *Шу кунгача парашют билан йигирма икки марта сакради.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПАРАШЮТИЗМ Учиш аппаратларидан парашютда сакраш санъати ва спорти, парашютдан фойдаланиш қоидалари ҳамда амалиёти.

ПАРАШЮТЧИ Парашют билан учиш аппаратларидан сакрайдиган, парашют спорти билан шуғулланадиган киши. *Парашютчилар спорти.* ▬ *[Алижон] Парашютчилар секцияси ташкил қилингандан бери эртаю кеч аэродромда, ёшларни самолётдан сакратгани-сакратган.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ПАРАШЮТЧИЛИК *айн.* **парашютизм**.

ПАРВАРДА [*ф.* پرورده – керагида фойдаланиш учун тайёрланган; маринадланган] Олий нав буғдой уни, ўсимлик ёғи ва қиёмдан тайёрланадиган маҳаллий ширинлик. *Зуҳра кўнмасдан, дастурхонга ликопчада пашмак, парварда, новвот олиб қўйди.* С. Зуннунова, Олов. *Баширжон газетани очиб, парварда, шоколад, шўрданак ва қора майиз аралаштирилган қурама ширинликлардан битта парвардани олиб, оғзига солди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПАРВАРДИГОР [*ф.* پروردگار – яратувчи, халлоқ; ризқ берувчи; худо] *дин.* Борлиқни яратувчи; оллоҳ, худо. *Парвардигори олам.* ▬ *Ахир, айбсиз бир парвардигор, дейдилар. Сизнинг ҳам ишингиз тушиб қолар.* С. Зуннунова, Олов. *Эй парвардигор, мен сендан фойдасиз илм, қабулсиз амал, ижобатсиз дуодан паноҳ тилайман.* «Фан ва турмуш». *Муштипарман, мен йиғлайман зор-зор, Бандам, десин яратган парвардигор.* «Нурали».

ПАРВАРИШ [*ф.* پرورش – боқиш, едириш; озиқлантириш; тарбия] **1** Асраш, ўстириш, вояга етказиш учун қилинадиган ҳаракат. *Ғўза парвариши. Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳолни парвариш қил.* Мақол. ▬ *Сифатли парвариш – ерга оройиш.* «Қанотли сўзлар».

2 Тарбиялаш, вояга етказиш, боқиш каби мақсадда қилинадиган ҳаракат; қаров, боқув, тарбия. *Чақалоқ эса она ҳидига, унинг парваришига, кўкрак сутига муҳтож эди.* Газетадан. *Кампирнинг гаплари менга кулгили туюлса ҳам, ҳурмат юзасидан ҳамда болага яхши парвариш қилиш зарурлиги важидан бир нима демасдан, унга тасалло берар эдим.* Ғ. Ғулом, Ёдгор.

ПАРВАРИШЛАМОҚ Парвариш қилмоқ, қарамоқ; боқмоқ, тарбиялаб ўстирмоқ, ундирмоқ, вояга етказмоқ, оёққа қўймоқ. *Боғни парваришламоқ. Беморни парваришламоқ.* ▬ *Бу камбағал бобо мардикор ишлаб, болаларини ўқитиб, парваришлаб юрар экан.* М. Маҳмудов, Булбулигўё. *Ўз уйидай бўлиб қолган бу хонадондан оёғи узилмаётган Мели, Энани худди энди атак-чечак қила бошлаган гўдакдай парваришларди.* «Ёшлик».

ПАРВАРИШСИЗ Парвариши йўқ, қаровсиз. *Парваришсиз дарахт. Ипак қурти бир кун ҳам парваришсиз қолмасин.* ▬ *Французлар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат ўзига оро бермаган, парваришсиз аёлларгина бор, деб ҳисоблашади.* «Саодат».

ПАРВИН [*ф.* پروين – Савр юлдузлар туркуми] (П – *катта*) *астр.* Савр юлдузлар туркумидаги етти юлдуз.

ПАРВО [*ф.* پروا – ғамхўрлик; парвариш (тарбия) қилиш; ҳимоя (қилиш)] Кимса ёки нарсага бўлган диққат-эътибор, қизиқиш, назар-писанд, назарга олиш. *[Ойхон:] Мен сени суйдим, ўзгасига не парвойим бўлгай!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

Парво қилмоқ *ёки* **парвойига келтирмоқ** Диққат-эътибор бермоқ, диққат-эътибор билан қарамоқ, назар-писанд қилмоқ. *Анвар бўлса ундан тескари бурилиб кетадиган бўлиб қолди. Аммо Алимардон парво ҳам қилмасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шу масалада бошингизни тошга уриб гапиринг – парвойига келтирмайди.* Ойдин, Икки кўзи шунда. **Парвойи фалак** (*ёки* **палак)** *қ.* **фалак.** *Овқат еб, каравотга чўзилган Қудратжон парвойи фалак, хириллаб ухлаб қолди.* Мирмуҳсин, Умид. *У эса парвойи палак – қуёш ботишини кутиб, уйида ўтирди.* Т. Малик, Шайтанат.

ПАРВОЗ [*ф.* پرواز – учиш, учиб бориш] **1** Осмонга кўтарилиш, учиш. *Қушларнинг парвози, елларнинг нози, Бахмал водийларда, қирларда баҳор..* «Саодат». *Бошларидан учар оқ тўш қалдирғоч, Парвоз қилармиди, бўлмаса қанот?* Шукрулло.

Парвоз қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) *кўчма* Ёйилмоқ, тарқамоқ, таралмоқ. *Янги орзу, янги умидлар қанот ёзиб парвоз қиларди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ёнғоқзор боғ устида ҳар саҳар унинг янгроқ, дилбар овози парвоз этар, у қўшиқ бошлаганида, табиатнинг ўзи ҳам тан бериб, қулоқ солгандай бўларди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАРВОНА I [*ф.* پروانه – тунги капалак] **1** Шуъла ёки чироқ атрофида айланувчи тун капалаги. *Токчадаги бешинчи чироқ пириллаб ёнар, унинг атрофида катта бир парвона айланар эди.* А. Қаҳҳор, Анор. *Дилшод кечқурун чироқ атрофини ўраб оладиган парвоналарга ҳам ҳайрон бўлиб боқарди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

2 *кўчма* Меҳрибонлик, меҳр-муҳаббат, парвариш каби муносабатлар мажмуи. *Сени деб жанг қилар йигитларимиз, Сени деб парвона аёллар бунда.* Уйғун, Тонг қўшиғи. *Кун кеча эмасми, хислатинг санаб, Шеър*

ёзиб юрардим, сенга парвона. А. Орипов, Юртим шамоли.

Парвона (*ёки* **гирдикапалак) бўлмоқ** Меҳрибонлик ёки хушомадгўйлик билан атрофида айланмоқ. *Ҳамза анча юмшади, уйга томон йўл олишди. Зулфизар эрининг атрофида парвона бўлиб, тагига кўрпача ташлаб, ёнбошига ёстиқ қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бугун атрофида парвона бўлаётган қадрдон жигарларига айтгулик бирон гапи йўқми?* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПАРВОНА II [*ф.* پروانه – шоҳ фармони, буйруғи] *тар.* Амир, хон фармони, ёрлиғи.

ПАРВОНАЧИ *тар.* Хонликлар даврида: ҳукмдор фармони ва буйруқларини битувчи котиб; олий даражадаги сарой мансабдорларидан бири. *Шунинг билан Азиз парвоначининг истиқболига лозим ва вожиб бўлган барча тартиб ва тантанага ҳозирланган бўлинди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [соқчи] қорабайир отини Минор ортидаги карвонсаройда қолдириб, тор кўча билан Абдулқаюм парвоначининг ҳовлисига йўл олди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПАРВОСИЗ *айн.* **бепарво**. *Парвосиз одам.* ▬ *Алимардон унинг қўлини парвосизгина қисаркан, яна кинояли бир хаёл кўнглига шарпа солиб ўтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Султонали қўрғон остидаги йигитларга кўз қирини ташлаб, уларни ўзидан парвосиз топди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Парвосиз қарамоқ Диққат-эътибор, аҳамият бермай, бепарволик, аҳамиятсизлик билан қарамоқ. *Онахон бу гапга парвосиз қаради, қайтага чеҳраси очилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ПАРВОСИЗЛИК *айн.* **бепарволик**. *Ишга парвосизлик ҳам эви билан-да.*

ПАРГАР, паргор [*ф.* پرگار – циркуль; доира, тўгарак] **1** *эск. айн.* **циркуль**. *Унинг [меъморнинг] чизғичу паргар ва бошқа асбоблари кўп йиллардан буён тутилар, аммо қамиш қалам чидамас, тез-тез бозордан ўн-ўн бешталаб олиб келиб қўйиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қўлингга паргор олиб, доира чиз-да, уни тўртга бўл.* М. Осим, Карвон йўллари.

2 *кўчма* Атрофида айланувчи, айлана ҳосил қилувчи. *Паргор бўлуб гавҳари дарёи муҳаббат, Бир нуқтага жон гавҳарини боғлаганинг хўб.* Машраб, Девон. *Қанча хатлардан муаммо битта чанбардир бу йўл, Худди паргар айланурсан муттасил кетмак билан.* Ғ. Ғулом.

ПАРГАРИ Паргар ёрдамида нақш яратиш усули ҳамда шу усулда яратилган нақш.

ПАРДА I [*ф.* پرده – дарпарда, эшик ёки дераза пардаси; ёпинчиқ; товуш, оҳанг, нота] **1** Хонани қуёш нури, шамол ва ҳоказолардан тўсиш ёки безак учун дераза, эшик ва ш.к. га тутиладиган газлама, мато. *Эшик пардаси. Духоба парда. Чий парда. Чимилдиқ пардаси. Парда тутмоқ. Пардани очмоқ.* ▬ *Анвармурод кенг деразаларнинг шоҳи пардаларини кўтарди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ходимларга хоналарни берухсат тарк этиш, эшик ва деразаларни очиш ман этилди. Деразаларга қалин парда ва қора қоғозлар тутилди.* «Ёшлик». *Чимилдиқ пардаси туширилиб, иккови ёлғиз қолгач, қиз унинг пинжига сурилади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *кўчма* Борлиқни кўздан беркитиб, тўсиб турган нарса, мас. қоронғилик, туман, булут, кўз ёши. *Чимён тоғининг чўққилари парда орасида тургандек, хирагина туман ичра кўзга ташланади.* Мирмуҳсин, Умид. *Ана, кўкка туташган чўққиларни палахса-палахса булутлар қоплаб, бутун олам кулранг пардага ўралгандай бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *-Уятсиз! – У кўз ўнгини тўсган ёш пардасидан ҳеч нимани кўролмай, тусмоллаб, стол ёнига борди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *с.т.* Экран, кино экрани.

4 *анат.* Организмда айрим аъзоларни қоплаб, ўраб ёки бир-биридан ажратиб турадиган юпқа тўқима. *Ўпка пардаси. Ўрдакнинг панжасидаги сузиш пардаси. Юрак пардалари. Қулоқ пардаси.* ▬ *Ёшгина йигит барвақт оламдан ўтди. Ичкилик туфайли унинг ўпка пардаларини зардоб ўраб, сил хасталигига дучор этди.* Газетадан.

5 Саҳна асарининг ёхуд фильмнинг мустақил воқеликдан иборат тугал бир қисми. *Пьесанинг учинчи парда олтинчи кўриниши. «Шоҳи сўзана» пьесаси тўрт пардадан иборат.* ▬ *Драманинг биринчи пардаси бошланди.* С. Аҳмад, Сайланма.

6 Театрда томоша бошлангунга қадар саҳнага илинган мато. *У саҳна чеккасига суриб қўйилган парда олдига борганда, концерт қизиб кетган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Парда очилгандан то томоша*

тугагунча зал кулгидан ларзага тушди. С. Аҳмад, Юлдуз.

7 *кўчма* Бирор ҳолатни яшириш воситаси, тўсиб турувчи ниқоб. *Дин илм-фан юзига парда тортмайди.* «Қанотли сўзлар». *Нусратбекнинг юзларидаги шунча йиллар ниқоб бўлиб келган зиёлинамо юмшоқлик пардаси йиртилиб, жағ пайлари, ёноқлари қизариб бўртди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *..баъзан кимгадир яхши кўриниш илинжида виждоннинг кўзини нафс пардаси билан пана қилади.* «Ёшлик». *Яна бир нарсани айтиб қўяй: эр-хотин ўртасида парда бўлиши шарт.* «Ёшлик».

8 *айн.* **товуш пайчалари**. *қ.* **пайча.** *Мен сени куйламоқ истайман. Аммо шундай куйласамки, йиртилиб кетса овоз пардаларим.* А. Орипов, Йиллар армони.

9 Парда (эркаклар исми).

ПАРДА II *мус.* **1** Торли чолғу асбоблари дастасини бўғинларга ажратувчи тўсиқлар. *Ўткинчи бир мусофир Тор қоронғу ҳужрада Ўқирди янги достон, Ўйнаб қўли пардада.* Ғайратий. *Шодлик куйчисисан, бахт булбулисан, Айни авж пардада жаранглар созинг.* Уйғун.

2 Шарқ мусиқа назариясида: муайян баландликдаги товуш. *У ҳамма вақт бошқа қўшиқларга қараганда бир-икки парда баландда юради.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Турсуной қўшиқлари, нафис овози қалбнинг интим ҳиссиётларига монанд, куй пардаларига уйғун.* «Саодат».

ПАРДАВОР *кам қўлл.* Пардаланган, пардали; яширин, сирли. *Қандайдир ўзга мақсадлари борлиги ҳақида жуда туманли, пардавор қилиб минғиллади.* Ойбек, Навоий.

ПАРДАЛАМОҚ 1 *кам қўлл.* Парда билан тўсмоқ, парда тутмоқ. *Деразани пардаламоқ.*

2 *кўчма* Очиқ-ойдин ифодаламай, шама ёки қочирим билан айтмоқ, ниқобламоқ. *Мен кўкламда Сумбула билан бўлган воқеани, бир оз пардалаб бўлса ҳам, сўзладим.* Ойдин, Икки кўзи шунда.

ПАРДАЛИ I **1** Парда тутилган, парда билан тўсилган, ажратилган. *[Ҳамдамформа] Ҳовлининг орқасига ўтиб, ёвонга қараб очиладиган оқ пардали бир деразани тирноғининг орқаси билан бир-икки чертди.* С. Айний, Қуллар. *Олимжон сартарош уста Ғанининг дока пардали деразасини чертди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Органик пардага эга бўлган, парда билан қопланган. *Ўрдакнинг пардали панжаси.*

3 *кўчма* Мустақил пардалардан, қисмлардан иборат бўлган. *Тўрт пардали саҳна асари.* ■ *Кунларнинг бирида Хуршид ўзининг «Эски одат қурбони» номли бир пардали пьесасини ўқиди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

4 *кўчма* Очиқ-ойдин ифодаланмай, шама, қочирим билан айтилган, яширинган, ниқобланган, ниқобли. *Пардали қилиб гапирмоқ.* ■ *Бошим шишган. Сенинг бу пардали гапларингдан ҳеч нарса тушунолмаётирман.* С. Айний, Дохунда. *[Ҳусайн Бойқаро] Баъзи яқинларидан пардали шикоят қилди.* Ойбек, Навоий.

ПАРДАЛИ II *мус.* Товуш ноталарини белгиловчи бўғимларга эга бўлган, парда боғланган (торли чолғу асбоблари ҳақида). *Пардали чолғу асбоби.*

ПАРДАСИЗ I **1** Парда тутилмаган, пардаси йўқ. *Пардасиз дераза.*

2 *кўчма* Очиқ-ойдин айтилган; ниқобланмаган, дағал, қўпол. *Пардасиз гап. Пардасиз гапирмоқ.* ■ *-Худо кўтарсин бу расмрусмларини. — Ҳадянинг ғаши келди. — Оламга пардасиз нигоҳ ташлашга ҳали ҳақинг йўқ.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ПАРДАСИЗ II *мус.* Пардаси йўқ, парда боғланмаган. *Пардасиз чолғу асбоби.*

ПАРДЕВОР [*ф.* پرديوار — пардай, қанотдай юпқа девор] *шв.* Бир қатор ғишт терилган ёки синчли юпқа девор. *Пардевор билан ажратилган уй.*

2 Бино устидаги тўсинлар оралиғига қўйиладиган ярим пахса лой.

ПАРДОЗ [*ф.* پرداز — безатувчи, оро берувчи; зебу зийнат, сайқал] **1** Амалий санъат ва ҳунармандчиликда нарсалар сиртини бўяш, силлиқлаш ва б. йўллар билан уларни чиройли, кўркам қилиш ва шундай ишловнинг ўзи. *Пардози бузилмаган этик. Пардози яхши буюм. Тайёр маҳсулотларга пардоз бермоқ.* ■ *Хира сахтиён маҳсилар пардоздан сўнг ялтирайди, «очилади».* Ойбек, Танланган асарлар. *Эндиликда цех қуввати ортди. Бир кунда 12 тоннага яқин мато бўялиб, пардоздан чиқариладиган бўлди.* Газетадан.

2 Ҳуснни очиш ёки сунъий гўзаллик ҳосил қилиш учун ўсма, хина, упа-элик суртиш, бўяш, ўзига оро, зеб бериш ва шу жараён натижаси. *Кунига пардозини неча марта янгилар, қанақа кийими бўлса, ҳаммаси-*

ни бир кунда кийиб, бир кунда ечарди. С. Аҳмад, Уфқ. *-Нега бўлмасам мажлисга борганингда, ярим соат ойнага қараб пардоз қиласан?* С. Аҳмад, Юлдуз. *Хотиннинг ёши ўттиздан ошган бўлса-да, упа-элиги, пардози билан ёшроқ кўринар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПАРДОЗ-АНДОЗ [пардоз + *ф.* انداز – отиш, улоқтириш; ёйиб, ёзиб қўйиш] Ҳаддан ортиқ пардоз, зеб-оро. *Пардоз-андоз қилмоқ.* ▬ *Улар [қизлар] олдида мен ҳеч нарса билмайдиган, дунёга фақат зеб-зийнат, пардоз-андоз учун келган бир кимса бўлиб қолдим.* С. Аҳмад, Севгингга содиқман.

ПАРДОЗВОЗЛИК Бўлар-бўлмас пардозлайвериш, қайта ишлаш; ортиқча пардозга берилганлик. *Биз, адабиётчилар, тарих фактларини ҳам пардозлаб кўрсатишга уринамиз. Ана шундай пардозвозлик орқасида Ҳамзанинг бир қанча асарларини китобхондан яшириб келамиз.* Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

ПАРДОЗЛАМОҚ 1 Пардоз бермоқ, силлиқлаб, бўяб, чиройли, жилоли қилмоқ. *[Унсин] Ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга шон қоқади, шон туширади, пардозлайди: қора гул, лок суркайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пардозлаш ишлари охирлаб қолган мазкур биноларнинг лойиҳаси чет элдан олиб келингани йўқ.* Газетадан.

2 *кўчма* Пардоз қилмоқ, ўзига зеб-оро бермоқ. *Сочларини ювдириб, гул суви билан пардозлаб.. кўйлак кийдирди.* Ойбек, Навоий. *Қиз-жувонлар ўзларини ҳафсала билан, бир-биридан ўтишга пардозладилар.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 *кўчма* Ишлов бериб мукаммаллаштирмоқ, бадиий қийматини оширмоқ, силлиқламоқ. *Халқ ижодчилари.. куйланиб келган асарларга ўзгариш ва янгиликлар киритганлар, уларни пардозлаганлар.* «Ватан адабиёти».

ПАРДОЗЛОВЧИ *айн.* **пардозчи 1.** *Бир ойда ўнта уй пардозловчиларга топширилди.* Газетадан.

ПАРДОЗСИЗ *айн.* **бепардоз.** *Ҳаёт, бир кун илгари қўйган ўсма қошларида сал-пал билиниб тургани бўлмаса, одатдагича, пардозсиз эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПАРДОЗХОНА [пардоз + хона] Пардоз қилинадиган хона. *У пардозхонага кириб, ўзини яна бир марта кўзгуга солди-да, торини кўтариб, қайтиб чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАРДОЗЧИ 1 *сфт. от* Нарсаларни силлиқлаб, бўяб, чиройли, жилоли, кўркам қилувчи, пардоз берувчи. *Пардозчи ишчи.* ▬ *Пардозчилар станциянинг ичини сайқаллашда энг ноёб мармар ва керамика буюмларидан фойдаланяптилар.* Газетадан.

2 Пардозга берилган, пардоз қилиб юришни яхши кўрадиган. *Пардозчи хотин.*

3 *айн.* **гримчи**.

ПАРЕЗ [*юн.* paresis – бўшашиш, заифлашиш] *тиб.* Нерв системаси зарарланиши оқибатида бирон-бир мускул ёки мускуллар гуруҳи эркин фаолиятининг заифлашуви; фалажнинг енгил тури.

ПАРЕМА, паремия [*юн.* paroimia – масал, рамзли хикоя] *ад.* Маълум бир тилдаги авлоддан авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор, мантиқий умумлашма сифатида пайдо бўлган турғун ибора; мақол, матал.

ПАРЕМИОЛОГИЯ [парема + *юн.* logos – билим, тушунча] **1** Пaремаларни ўрганадиган фан соҳаси.

2 Муайян тилда мавжуд бўлган паремалар тизими.

ПАРЁСТИҚ Паррандалар патидан қилинган ёстиқ. *Бошлаб кирган аёллардан бири остига юмшоқ кўрпача ёзиб, орқасига парёстиқ қўйиб берди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ПАРИ [*ф.* پری – гўзал аёл; яхшилик қилувчи руҳ] **1** *миф.* Шарқ халқлари фольклорларида кенг тарқалган, жуда гўзал қиз қиёфасидаги, нурдан яратилган, кишиларни инс-жинслардан сақлайдиган афсонавий образ; гўзаллик рамзи. *Қари билганини пари билмас.* Мақол. ▬ *Букри домла Майнани жинми, парими деб ўйлади, шекилли, турган жойидан силжимай, аллақандай дуони пичирлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Илҳом париси *поэт.* Ижодкорга илҳом берувчи кимса ёки нарса. **Санъат париси** *айн.* **илҳом париси**. *Мени сеҳрлайди атлас кийганлар. Санъат парисидай қўзғатиб ҳавас.* Уйғун, Тонг қўшиғи. **Сув париси** Сувда яшайдиган пари. *Чироқ шуъласида унинг узун-узун сочлари кўрпада судралиб, гўё сув парисини эслатарди.* У. Исмоилов, Сайланма.

2 *кўчма* Жуда гўзал, хушрўй аёл, нозанин. *-Сизни шу парига уйлантириб қўяйми? – деди Тожибой ва оғзини очиб, носни тилининг тагига ташлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Анвар.. ўйин-кулгини бир дақиқа қўйиб туролмаган парининг санъаткор шу вазиятига кулумсираган кўйи анча қараб турди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ПАРИВАШ [*ф.* پری‌وش – парига ўхшаш, фариштадек мулойим; сулув] *кт.* Парига ўхшаш, паридек жуда гўзал, хушрўй, нозанин. *Париваш аёл.* ▬ *Еллар, соғинганимни ул гулузора айтинг, Қоши қалам, париваш, кўзи хумора айтинг.* Уйғун, Тонг қўшиғи. *Шийпондаги кенг-мўл майдон эса сочлари елкаларида селкиллаган йигитлар билан, париваш қизлар билан тўлиб кетди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Азизбек бўлса жавоҳир қадалган тожлар, олтин тахтлар, нозанин паривашлар, донгдор маҳрамлар ҳақидагина ўйлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ПАРИЗОД [*ф.* پری‌زاد – паридан туғилган] **1** *миф.* Паридан туғилган. *Паризод десангиз ҳам ишонаман.* Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Париваш, гўзал, чиройли, паридек. *Қаердасан, паризод, бормисан, бормисан, Бахт сийлаган кимсага ёрмисан, ёрмисан.* А. Пўлкан, Изҳор. *Бу паризоднинг – зиёли кўринишли қизнинг ўша Ҳуббижамол эканига дафъатан ишонмадим.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

3 Паризод (хотин-қизлар исми).

ПАРИК [*фр.* perruque < *итал.* parrucca – бошга қопланган ясама соч] Тутам-тутам сочлардан шакли ва рангини киши сочига ўхшатиб, бирор матога ёпиштириб тайёрланган ясама соч. *Театр париклари. Парик киймоқ.* ▬ *Анвар.. парик кийиб, орқасига сумка осди-да, «юринглар» деди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ПАРИЛЛАМОҚ **1** Тез қанот қоқиб, «парр» этган товуш чиқармоқ (парранда ҳақида). *Тоғ жилғаларининг яқинида, катта тошлар панасида [Элмурод] писиб ётиб, каклик пойлар ва жилғадан жилғага париллаб учган какликларга ўқ узар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тез югуриб кетмоқ, елдек учмоқ, ғирилламоқ. *Сувсиз чўлда Ғиркўк от бораётир париллаб.* «Равшан».

3 Қаттиқ овоз чиқармоқ. *Париллаган товушдан англадим, отим чопиб келаётганга ўхшайди.* «Фольклор». *Пиллапоя олдидаги табуреткада оппоқ самовар париллаб қайнаб турибди.* С. Аҳмад, Оқ сут ва оппоқ нур.

ПАРИПАЙКАР [*ф.* پری پیکر – пари қоматли; соҳибжамол] Парига ўхшаш, паридек, ғоят гўзал, нозанин, париваш. *[Бой Жамилага:] Мен сендай бир парипайкарни ўша гадо Ғофирга бериб, қараб ўтирмайман! Гапнинг пўскалласи шу!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ПАРИРУХСОР [*ф.* پری‌رخسار – юзи, рухсори парига ўхшаш] *айн.* **парирў(й).** *Тушимда бир парирухсор қиз Ечиб олди қулоқдан сирғам.* «Саодат». *Жамшид остонада парирухсорни кўриб, андак довдиради.* Т. Малик, Шайтанат.

ПАРИРЎ(Й) [*ф.* پری‌روی – пари юзли; зебо, хушрўй] Паричеҳра, париваш, гўзал, нозанин. *Бир-биримиз билсак ҳам зимдан, Келмагандик лекин рўбарў. Миннатдорман бугун ўзимдан Учратган-чун сени, парирў.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. *Мубталоман парирўга, ул кўзлари оҳуга.* Я. Маматхонов.

ПАРИТЎП Ўзбек халқи таркибидаги уруғлардан бирининг номи. *Қишлоқ одамлари олчин, тоғчи, паритўп, қавчин, гўрков, юз.. дея аталмиш уруғ-аймоқларга бўлиниб олишади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ПАРИХОН [пари + *ф.* خوان – ўқувчи] *этн.* Пари, жин каби ғайритабиий кучлар ёрдамида беморларни касалликлардан халос қилувчи; дуохон, азайимхон, фолбин. *«Ўғри қариса – сўфи, ғар қариса – парихон бўлади», деб бекорга айтилмаган-да.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ПАРИЧЕҲРА [*ф.* پری‌چهره – пари юзли; жуда хушрўй] Жамоли парига ўхшаш, ғоят гўзал; париваш, парирў, нозанин. *Паричеҳра қиз.* ▬ *Сизлардек паричеҳралар шундай ёмон тиканларнинг панжасига тушмаса, бизга бундай базмларни гўрда насиб қилармиди?* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Қиз руҳида ташвиш сояси, Ўйланади ул паричеҳра, Балки, шеърдир бу қиз дояси?* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

ПАРИШОН [*ф.* پریشان – сочилган, тўкилган; тартибсиз; хаёли қочган, хафа; ўялиб қолган; безовталанган] **1** Ҳар томонга сочилган, тўзғиган, тартибсиз. *Кумушнинг кўзи юмуқ, сочлари юзи устида паришон ҳолатда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Ёнимда Раъно ётибди. Сочлари паришон ёйилган, ғира-шира тонг нурида оппоқ юзи янаям тиниқроқ кўринади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 *кўчма* Бир ерга тўпланмаган, бўлинган, сочилган, тарқоқ (фикр-хаёл, диққат-эътибор ҳақида). *Вали ака.. ўғлининг ғўзалар ичида паришон турганлигини кўриб, уни ёнига чақирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳа, Шавкатбек, Эйнштейнга ўхшаб паришонроқ кўринасиз.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Хаёли паришон *ёки* **паришон хаёл** Хаёли тарқоқ, фикри-хаёли жойида эмас, бўлинган, сочилган. *Аммо шоирнинг хаёли паришон, кўнгли алағда эди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Карвон Андижон музофотини ортда қолдириб, Аравонга етганда дам олишди. Аҳмадбек ҳожи Учкўприкда илк бор пешин намозини безовталаниб, хаёли паришон аҳволда ўқиди.* «Ёшлик».

ПАРИШОНЛАНМОҚ Паришон бўлмоқ, фикри-хаёли тарқоқ ҳолатда бўлмоқ. *Аброр асабийлашиб, паришонланиб кийинди. Улар кўчага чиқиб, уй олдидаги узун йўлакда пойи пиёда одимлаша бошлашди.* О. Мухторов, Эгилган бош. -*Шуларнинг орасида бўлиши керак эди! — паришонланди Тожи Исмоил.* О. Мухтор, Аёллар мамлакати ва салтанати.

ПАРИШОНЛИК Фикри-хаёли бир жойда бўлмаслик, бир ерга тўпланмаслик, хаёли бўлинганлик, тарқоқлик. *Толибжон энди анча ўзига келган, паришонлиги ҳам тарқаган эди. У Мирвалининг болалик йилларини энди аниқ кўз олдига келтира бошлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПАРИШОНХОТИР [паришон + *а.* خاطر — ўй, хаёл; ақл, фаҳм] Хаёли тарқоқ, фикри, диққат-эътибори бўлинган. *Сал ўтмай хотин кирди, ҳақиқатан ҳам унинг кўзи қизариб, паришонхотир ҳолда эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Башарти, бу ҳол сурункасига давом этадиган бўлса, ўқувчи қўрс ва паришонхотир бўлиб қолиши эҳтимол.* «Фан ва турмуш».

ПАРИШОНХОТИРЛИК Диққатнинг беқарорлиги, бошқа нарсаларга чалғишидан иборат руҳий ҳолат. *Ўз кучингизга, имкониятларингизга ишонишга интилинг. Паришонхотирлик, хаёлот тарқоқлигидан қутулишга интилинг.* Газетадан.

ПАРИШОНҲОЛ [паришон + *а.* حال — аҳвол, ҳолат; вазият] Нима қилишни билмай, ўйланиб туриш ҳолати. *Халқ тарқаб кетмаган, кўплар чинор остида паришонҳол эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПАРИШТА *с.т. айн.* **фариштa**. *Омин, деса париштаю малойик, Яратган раҳмондан мақсад тилайик.* «Маликаи айёр». *Беш вақт намозни канда қилма! Бўлмаса, уйингдан париштaлар қочади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ПАРК [*ингл.* park < *лот.* parricus — иҳота қилинган, ўраб олинган жой] **1** Гулзор, дарахтзор ва хиёбонлари бўлган, дам олиш, кўнгил очиш учун мослаштирилган катта боғ. *Парк оқшомда ясан-тусан одамлар, ранг-баранг чироқлар, хилма-хил ажойиботлар билан тўлиб, жуда катта кўринар экан.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Транспорт воситалари (трамвай, автобус, такси кабилар) турадиган ва уларга техник хизмат кўрсатиладиган жой. *Троллейбус парки.* ▬ *Элмурод Муҳаррам билан хайрлашиб, Хадрага келганда, трамвайлар паркка кириб кетмоқда эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Халқ хўжалиги, саноат тармоғи, корхона ва ш.к. га қарашли транспорт ёки ишлаб чиқариш воситалари мажмуи. *Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари парки.* ▬ *Отаси — трактор парки қоровули. Илгари дурустгина машина ҳайдаб юрганди.* «Ёшлик».

4 *ҳарб.* Ҳарбий машиналар ва б. техника воситалари сақланадиган, таъмирланадиган ҳудуд; шунингдек, ҳарбий мол-мулк сақланадиган стационар (кўчмас) ёки кўчма омбор. *Артиллерия парки. Паркда, полигонда ва бўлинмада ички тартибни ташкил этиш.*

ПАРКАНД(А) [*ф.* پرکنده] **Пароканда** с. нинг қисқарган шакли. *У асло кўксингга ўқ каби ботмас, Танинг зирқиратиб, бурнинг қонатмас. Умринг йўлларига бўлмаган у банд Ё кўнгил шишасин этмагай парканд.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАРКЕТ [*фр.* parquet < *лот.* parricus — девор, тўсиқ, иҳота] **1** Тураржой ва жамоат бинолари полларига қопланадиган, қаттиқ ёғочдан тайёрланадиган юпқа тахтача. *Дуб паркет. Полга паркет термоқ.* ▬ *Палаталарнинг поли паркет ёки оддий тахтадан ясалиб, устига линолеум солинган бўлиши яхшироқдир.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Шундай тахтачалардан ётқизилган пол. *Ялтираган паркет полга ташлаб қўйилган қип-қизил гилам устида оёқлари йўлбарс*

панжасига ўхшаган ёзув столи турарди. «Шарқ юлдузи».

ПАРЛАМЕНТ [*фр.* parlement – расмий сўзлашиш жойи < parler – гапирмоқ, сўзламоқ] Демократик мамлакатларда бутунлай ёки асосан сайлов асосида тузиладиган олий вакиллик ва қонунчилик органи. *Мустақил Ўзбекистоннинг парламенти – Олий Мажлис. Парламент сайлови.* ▬ *Парламент бу таклифларни инобатга олиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.* Газетадан. *Мамлакатимизда ҳокимиятларнинг бўлиниши тўғрисидаги принцип парламент қабул қилган бир қатор қонунларда янада ривожлантирилди.* «Ҳаёт ва қонун».

ПАРЛАМЕНТАР Парламентаризмга асосланган, парламентаризмга алоқадор. *Парламентар республика. Парламентар тузум.*

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ *сиёс.* Конституцияга мувофиқ, давлат органлари тизимидаги раҳбарлик роли парламентга тааллуқли бўлган давлат ҳокимияти тузуми. *Дастурда парламентаризм, жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари, соғлом турмуш тарзи тушунчаларини тарғиб қилиш билан боғлиқ масалалар асосий ўрин тутади.* Газетадан. *Парламентаризм ғояси биринчи минг йиллик бўсағасида Римда, кейинчалик Англия ва Испанияда халқ мажлислари шаклида юзага келган.* Газетадан.

ПАРЛАМЕНТАРИЙ [*нем.* Parlamentarier] Парламент аъзоси, парламент депутати. *Хорижлик парламентарийларга ватанимиз ҳақида маълумот бердик.* Газетадан.

ПАРЛАМЕНТЁР [*фр.* parlamentaire < parler – сўзламоқ, гапирмоқ] Ўзаро урушаётган томонлардан бирининг бошқа (душман) томон билан музокара олиб бориш учун юборган вакили; элчи.

ПАРЛАМЕНТЧИЛИК Парламентга асосланганлик, парламентаризм. *Маълумки, демократик жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларидан бири парламентчилик иши ҳисобланади.* Газетадан. *Ушбу вазифаларни уддалаш учун, ростини айтсам, ўқиш, изланиш, парламентчилик сир-асрорларини ўрганиш ва тажриба орттириш лозим.* Газетадан.

ПАРЛАМОҚ Жуфт-жуфт қилмоқ, жуфтламоқ.

ПАРЛАНМОҚ I **Парламоқ** фл. мажҳ. н.

ПАРЛАНМОҚ II *с.т.* Буғланмоқ, буғга айланмоқ. *Ғўза суғорилгандан кейин сувнинг 20–35 фоизи ер бетидан парланиб кетади.* ▬ *Тамара деразадан ташқарига тикилганча, белига тушиб турган тилларанг сочларини тўзғитиб, тартибга солди; қуёш нурида парланаётган шудринг каби, гўё айбу гуноҳдан ўзини маъсум ҳис эта бошлади.* «Ёшлик».

ПАРМА [*ф.* پرمه – тахта, ёғочни тешувчи асбоб] **1** Айланма ҳаракат қилиб, тиғи билан нарсаларни тешадиган асбоб. *Кичкина парма. Парма тиғи.* ▬ *У [Икромхўжа] йўғонлиги билакдай ва узунлиги бир олчин сада ёғочнинг ичини парма билан тешиб, «тўппонча» ясади.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *с.т.* Бурғи. *Газободда газнинг киндиги қаердалигини аниқлаб олгач, бирданига уч жойга парма вишкаси тиклади.* И. Раҳим, Тақдир.

ПАРМАКАШ [*ф.* پرمه‌کش – пармаловчи] Парма ёки бурғи билан ер қазувчи уста, ишчи. *Тажрибали пармакаш эди, лекин фалокат босиб, қўли ишлаб турган дизелга кирди-ю, вентилятор парраклари икки бармоғини узиб кетди.* Газетадан.

ПАРМАЛАМОҚ 1 Парма билан тешмоқ. *Ҳайдар унинг [Умаралининг] қаршилигига қарамай, ўрта уйнинг деворини пармалай бошлади.* И. Раҳим, Ихлос.

2 *с.т.* Бурғи билан кавламоқ, бурғиламоқ. *Нефть ва газ қудуқларини пармаламоқ.*

3 *кўчма* Қаттиқ банд қилмоқ, қийнамоқ, азоб бермоқ (ўй-хаёл, гап-сўз ҳақида). *Шу фикр амакининг миясини яшин тезлигида пармалаб ўтди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Камол чиқмаса-я, деган ўй миясини пармалай бошлади.* «Саодат».

ПАРМАЛАШ Металл ва ёғоч буюмларга тешик очиш, чуқуррок ўйиш. *Пармалаш ишлари.*

ПАРМАЛИ 1 Пармаси бор, парма ўрнатилган.

2 *кўчма* Ўймали, кесатиқ. *Ўзингиз шунақасиз, эшикдан кирмай, тешикдан танқид қиласиз. Пармали гаплар сизда ҳам кўпми?* «Аския».

ПАРМАЛОВЧИ *от* Пармалаш билан шуғулланувчи киши. *Геологлар, қурувчилар, пармаловчилар ва денгизчиларнинг икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Каспийни тинимсиз штурм қилиш-қидиришлари ор-*

қасида бу олий мақсад юзага чиқди. Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўша ишчи хоҳ пармаловчи, хоҳ ғишт терувчи, хоҳ сувоқчи ёки бўёқчи бўлсин, менинг назаримда, ўз юртининг гуллаши, гуркираши учун қўлидан келган ишни сидқидилдан бажарди.* Газетадан.

ПАРМАНЧАК *шв.* Маймунжон. *Бунда [лагерда] икки юздан ортиқ бола дам олади. Бири чўмилиб шамолласа, бошқаси, парманчак тераман, деб оёқ-қўлини тимдалатиб келади.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПАРМУДА Гўштли қўшалоқ сомса. *Пармуданинг таърифин Айтаберсам, деманг лоф.* С. Абдулла. *Ундан кейин ошпаз йигит мудирликка келди. Аммо пармуда сомсага уста эди. Мен жилд очиб бериб турардим, у тугиб ташлайверарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПАРНИЁН [*ф.* پرنیان – ипак, шойи] *шв.* Юпқа ипак кийим. *Ўрнидан туриб, эгнига парниёнини ташлади.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ПАРНИК [*р.* пар – «буғ, иссиқлик» с. дан] Эртапишар сабзавот, резавор экин ва гул экиб ўстириш учун қурилган, ойнаванд ёки шаффоф плёнка билан ёпилган жой, хона. *Парник ва теплицаларда кўчатлар етиштириш.* ▬ *Парникда битган бодринг, помидорлар тақсимчада гулдек очилиб турибди.* «Шарқ юлдузи».

ПАРОВОЗ [*р.* пар – буғ + воз(ить) – элтмоқ] Темир йўл поездларини тортиш учун белгиланган, буғ двигатели билан ҳаракатга келадиган машина, буғ двигателли локомотив. *Паровоз буғ чиқариб, чўзиқ гудок берди-да, катта қизил составни судраб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПАРОВОЗСОЗЛИК Паровоз ва унинг қисмларини ишлаб чиқариш; транспорт машинасозлигининг паровоз ишлаб чиқарадиган тармоғи.

ПАРОВОЗЧИ Паровоз ҳайдовчи киши, машинист.

ПАРОДИЯ [*юн.* parodia – зид, тескари қўшиқ] Адабиёт ва баъзан мусиқада, тасвирий санъатда: бирор асарга тақлидан яратилган, унинг заиф томонларига ҳажвий, киноявий ёндашилган асар; сатирик ўхшатма. *Юсуф ака қаламкаш дўстлари Э. Воҳидов, А. Эшоновлар билан бир сафда туриб, адабиётимизда пародия жанрининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса қўшди.* «Шарқ юлдузи».

ПАРОДОНТОЗ [пара.. + *юн.* odontos – тиш] Тишларни ўраб турувчи тўқималарнинг сурункали яллиғланиши. *Оғиз бўшлиғида кўп учрайдиган иккинчи бир касаллик пародонтоздир.* «Фан ва турмуш».

ПАРОКАНДА [*ф.* پراگنده – тўкиб, сочиб, тарқатиб юборилган; хафа, ғамгин, маъюс; ташвишли] *кт.* **1** Турли томонга, дуч келган ёққа тарқаган, тўзган, тарқоқ, тартибсиз. *У даҳшатли қуюндан ярим-ёрти саломат қолган пароканда карвонни тартибга солди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўтнинг шиддатидан душман танклари пароканда бўла бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Тарқоқ, жамланмаган, тартибсиз, бир жойга тўпланмаган. *Қандайдир бир куч пароканда бўлган хаёлларини яна бир жойга тўплади.* Мирмуҳсин, Умид. *Вужуди пароканда бўлиб юрганда Ҳиротга Маматшариф келди.* «Шарқ юлдузи». *Энг муҳими, сайловлар халқимизни пароканда ва бирбирига қарши қилишга эмас, балки элу юрт манфаати йўлида янада бирлаштиришга хизмат қилиши зарур.* Газетадан.

ПАРОКАНДАЛИК Тарқоқлик, тартибсизлик. *Шу-шу Бўри полвон Момоқизни уйлаганда, кўнглининг туб-тубида бир парокандалик уйғонадиган бўлди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Қўшиндаги парокандалик Жалолиддинни ҳам, унинг яқин дўсти Темур Маликни ҳам ҳалокатга олиб келди.* Газетадан. *Миллий адоват, ишончсизлик, парокандалик инсоният бошига нақадар мудҳиш кулфатларни солганлиги тарихдан маълум.* Газетадан.

ПАРОЛЬ [*фр.* parole – гап, сўз] Ҳарбий хизматда ёки яширин ташкилотларда ўз кишиларини таниш учун айтиладиган ва олдиндан белгилаб қўйиладиган шартли махфий сўз. *Ҳа, майли, тонг отсин, кўрармиз. Паролга жавоб беради, бермаса, ўзимни билмасликка олиб, алоқанинг бошқа йўлини излайман.* К. Яшин, Ҳамза.

ПАРОМ [*р.* паром – дарёдан, умуман сувли жойдан ўтиш мосламаси] Одамлар, транспорт воситалари, юкларни дарё ва кўллардан ўтказиш учун мўлжалланган махсус қурилма, сол. *Швеция билан Финляндия ўртасида қатнайдиган янги паром қурилиши бошлаб юборилди.* Газетадан.

ПАРОМЧИ Паромни бошқарувчи, паром ҳайдовчи киши. *Чакмонини елкага ташлаб, қумғон тагига ўт қалаётган паромчи*

чол от дупурини эшитиб, ўрнидан турди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ПАРОНИМЛАР [пара.. ва *юн.* onyma – ном, исм] Талаффузи, эшитилиши ва морфем таркиби ўхшаш, лексик маънолари бошқа-бошқа ёки қисман яқин бўлган сўзлар: *шараф-шароб, танбур-тамбур, афзал-абзал* каби.

ПАРОТИТ [пара.. + *юн.* otos – қулоқ + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Қулоқ ости безининг яллиғланиши билан ўтадиган юқумли касаллик, тепки.

ПАРОХОД [*р.* пар – буғ + ход(ить) – юрмоқ] Буғ двигателли кема. *Дарё пароходи.* ▬ *Каспий денгизида пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўпайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ПАРОХОДЧИЛИК Пароход транспорти ва унда йўловчи ҳамда юк ташиш билан шуғулланадиган муассасалар мажмуи. *Термиз давлат пароходчилиги.*

ПАР-ПАР 1 Парр с. такр. *Пар-пар учар чумчуқлар, Ҳам тинмайин чурқ-чурқлар.* З. Диёр.

2 *тасв. с.* Нурнинг, шуъланинг парпираши, жилваси ҳақида. *Матлуба нам киприклари орасидан пар-пар ёниб турган кўзларини сузиб қаради.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

ПАРПАША [*ф.* پرپشه – пашшанинг қаноти (каби)] Дастгоҳда тўқилган, нафис йўлли юпқа ва пишиқ мато. *Бир кийимлик парпаша. Парпаша тўн.* ▬ *Бир нафасдан кейин нурсизгина парпаша паранжи ёпинган, ўрта бўй аёлнинг қўлидан етаклаб, тортқилаб кириб келди.* С. Зуннунова, Олов.

ПАРПИ 1 *бот.* Таркибида бир турли алкалоид бўлган ўтсимон кўп йиллик ўсимлик.

2 Парпи (эркаклар исми).

ПАРПИРАМОҚ 1 Ёруғ нур таратиб ёнмоқ, нур сочиб турмоқ. *Ёритди ўлкани нур, парпираб электрлар.* Ҳабибий. *Ярим тун.. юлдузлар жимирлар кўкда. Чироқлар парпирар вишкаларда ҳам.* Ж. Жабборов.

2 *айн.* **ҳилпирамоқ**. *Парпирайди донг чиқарган байроғим, Асли маҳкам юксак суянган тоғим.* Ҳабибий.

3 *кўчма* Жилваланмоқ, жилва қилмоқ. *Ўн саккизу йигирмада ёшлари, Парпирайди ўйнаб кўзу қошлари.* Ҳабибий. *Муқаддам унинг қувонч тўла кўзлари парпираб кетганини, хўрсинганини сезди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАРР *тақл. с.* Учаётган парранда қанотидан, айланаётган паррак ва ш.к. дан чиқадиган товуш. *Чумчуқ парр этди.* ▬ *Қушлар парр этиб, осмонга кўтарилди.* Ойбек, Навоий.

ПАРРА 1 *с.т. айн.* **паррак**. *Чархимнинг паррасидан учди қушим, Қаландар чорбоғига тушди қушим.* «Халқ дурдоналари». *Фақат уни биласанми, кимнинг қули? Паррасини айлантирган кимнинг пули?* Чўлпон, Яна олдим созимни.

2 *шв.* Гул нақшини ташкил этувчи доирасимон шакллар.

ПАРРАК [*ф.* پرک – кичик пар, қанотча] **1** Сув ёки шамол кучи билан айланадиган куракли содда механизм. *Сув тегирмонининг парраги. Шамол тегирмонининг парраги. Тунука паррак.* ▬ *Улар конга тескари ёқдаги катта харсанг тошлар панасида шамол тегирмони парраклари вазмин айланиб турган қишлоқ томонга туша бошладилар.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 *с.т.* Ҳар хил машиналарнинг шу шаклдаги қисми. *Вентилятор парраги. Самолёт парраги.* ▬ *Даланинг у бошида парраги чарх уриб, комбайн ўрмаларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бирпас ўтмай вертолётнинг қудратли мотори гуруллаб, устидаги катта парраклари айлана бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 *кўчма* Юпқа қилиб тўғралган, кесилган, бўлакларга бўлинган бирор нарса. *Бир бўлак гўшт ўн парракка бўлинди.* ▬ *Отамурод нима учундир дастлабки тўрт парракни жонлироқ-жонлироқ қилиб кесди.* М. Мансуров, Ёмби.

4 *с.т. кўчма* Телефоннинг рақамлар терилганда айланувчи чамбараги. *Қушларга қуриладиган ин шаклидаги ёғоч уйчани бир ўзи тўлдириб ўтирган биққи қоровул Алмазонни четроққа турғизиб қўйиб, телефон паррагини ғилдиратишга тушди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

Бурун парраги Бурун катакларининг икки четидаги мускул. *Нафас олишда қийналаётган бўлса керак, бурун парраклари учиб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ПАРРАКЧА *с.т.* Парча, бўлак(ча); кичкина паррак. *Муздек қор парракчалари отанинг боши устида айланиб, ерга тушгиси*

келмас, унинг бўйни ва кўксига, соқолига қўнарди. С. Нуров, Нарвон.

ПАРРАНДА [*ф.* پرنده – учадиган нарсалар, қанотлилар; қуш] Қуш зоти, қушлар; қуш. *Уй паррандаси. Ов паррандаси.* ▬ *Мушукка қанот битса, ҳеч бир паррандани қўймас экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У шунчалик хушсурат, нозу иболи эканки, сойга юзини ювгани тушса, сой бир зум тўхтаб, уни томоша қилар, қора қош, саллона юришдан барча паррандага сабоқ берадиган какликлар ҳам зориқиб учиб келар экан.* «Ёшлик».

ПАРРАНДАБОЗ [*ф.* پرنده‌باز – қуш ўйновчи, қуш ишқибози] Парранда тутиш, боқиш ва ўргатишга ишқибоз киши.

ПАРРАНДАБОҚАР *с.т. айн.* **паррандачи.**

ПАРРАНДАХОНА Товуқ, ўрдак, бедана ва ш.к. лар парвариш қилинадиган махсус бино, жой. *Гўшт учун боқиладиган жўжалар.. махсус паррандахоналарда ўстирилади.* «ЎзМЭ».

ПАРРАНДАЧИ Парранда боқиш ва уни кўпайтириш иши билан шуғулланувчи киши.

ПАРРАНДАЧИЛИК Қишлоқ хўжалигининг уй паррандаларини боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланадиган тармоғи. *Паррандачилик фермаси. Паррандачилик курси.* ▬ *Паррандачиликнинг асосий маҳсулоти – озиқ-овқатга ишлатиладиган тухум ва гўшт, қўшимча маҳсулоти – парранда пати ва пари.* «ЎзМЭ».

ПАРРОН [*ф.* پرّان – учувчи, учадиган]: **тиғи паррон** Учиб келаётган, тешиб ўтадиган ўқ. *Чавандоз, нонуштадан мақсад фақат қорин тўйдириш деб билганида, ҳозир тиғи паррондай олиб бораётган тулпоридан фарқ қилмай қоларди-ку!* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой. **Тиғи парронга учрагур** *қарғ.* Болонинг ўқига учрагур, ўлгур. *Менинг кўзимга тўнғиздан ҳам хунук кўринади у, тиғи парронга учрагур бойвачча.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ПАРР- ПАРР *қ. айн.* **пар-пар**.

ПАРТ I**: парт бўлмоқ** Қайноқ сувда куймоқ. *Қайнаб турган самовар ағанаб, оёғи парт бўлди.* **Парт қилмоқ** Қайноқ сувда куйдирмоқ. *Товуқни парт қилиб, патини юлмоқ.*

ПАРТ II**: шарти кетиб, парти қолган** 1) қариб, куч-қуввати кетиб қолган, мункиллаган, бедармон. *Кейин кеч бўлади. Мана, биз: шартимиз кетиб, партимиз қолди.* «Шарқ юлдузи»; 2) эски, шалоқ; хароб. *Шарти кетиб, парти қолган арава.*

ПАРТ III *тақл. с.* Кескин қанот қоқиш пайтида чиқадиган товуш.

Парт этиб 1) «парт» деган овоз чиқариб. *Жуволдиз қопга парт этиб кирди. Бедана қўлдан чиқиб, парт этиб учиб кетди;* 2) кутилмаганда, тўсатдан. *[Тулки] Шошиб бориб, тишлаб тортиб эди, парт этиб тумшуғидан илиниб қолди.* «Эртаклар». *От устидан парт учиб кетди, Наҳот, сўнгги дақиқа етди?* У. Носир, Юрак.

ПАРТА [*р.*] Ўқувчилар учун мўлжалланган, устки тахтаси ўтирган ўқувчи томон бир оз қия ўрнаштирилган, остки қисми ўриндиғи билан бирлаштирилган махсус стол. *Бир партада ўқиган болалар.* ▬ *Ўқитувчимиз Исоқ ака ўқиш китобимизни парта устига олиб қўйишни айтдилар.* С. Ғафуров, Жонли совға. *Ичкаридаги ҳар бир парта рақамланган: назоратчи қуръа ташлаш йўли билан абитуриентларни жойлаштиради.* Газетадан.

ПАРТАВ [*ф.* پرتو – қуёш, ой, чироқ шуъласи, нури] *эск. кт.* Нур, шуъла. *Унинг [Кумушбибининг] кўз ўнгида жой олган қораликлар шу ёқила бошлаган нажот шамлари партави билан ўз-ўзларидан йўқолгандек кўринарлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ПАРТАДОШ Бир партада ёнма-ён ўтирувчи (ўқувчи). *Танаффус пайтида партадоши Шокир тўполончи билан уришиб қолди-ю..* Ё. Усмонов, Қисмат. *Дафтарларим бор, дарсликни эса ёнимда ўтирган партадошимдан олиб тураман.* Газетадан.

ПАРТАК *бот.* Чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўтсимон ўсимлик.

ПАРТЕР [*фр.* parterre – ер бўйлаб < par – бўйлаб, бўйича + terre – ер, замин] **1** Театр ва б. томоша залларининг томошабинлар ўтирадиган, саҳнага нисбатан пастроқ бўлган қисми ва унда жойлашган ўринлар.

2 Парк ёки боғларнинг обод қилинган, майсазор, гулзор, ҳовуз, фонтан, ҳайкал ва ш.к. лари бўлган очиқ қисми.

ПАРТИЗАН [*фр.* partisan < *итал.* partigiano – тарафдор, ихлосманд] *тар.* Душман босиб олган жойларда озодлик учун қуролли кураш олиб борувчи кўнгилли халқ армиясининг аъзоси. *Партизанлар отряди.* ▬ *Қуролланган етти партизан оғир қадамлар ташлаб, хилват ва сўқмоқ йўллар-*

дан юриб, Мостовойнинг отрядига қараб бормоқда. А. Раҳмат, Соқов бола.

ПАРТИЗАНЛИК Душман босиб олган жойларда озодлик учун кўнгилли равишда қуролли кураш олиб бориш; партизан бўлишлик. *Партизанлик қилмоқ.* ▬ *Ҳасанжонни масъулиятли ишлардан чиқарган бўлсалар ҳам, ота-бобосининг қул бўлиб келганлигини, отасининг партизанлигини назарда тутиб, ишни бости-бости қилиб юборган эдилар.* С. Айний, Қуллар.

ПАРТИЗАНЧИЛИК 1 *с.т. айн.* **партизанлик.**

2 *кўчма салб.* Ишда ўзбошимчалик, тартиб-қоидага риоя қилмаслик, ҳар кимнинг ўз билганича ҳаракат қилиши.

ПАРТИЯ I [*фр.* parti < *лот.* pars, partis — бўлак, қисм; гуруҳ] **1** Ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак бўлган кишилар гуруҳидан иборат, муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилот. *Халқ демократик партияси.* ▬ *Ҳозир кучга кираётган партияларга, янги пайдо бўлаётган партияларга ишончимиз катта.* Газетадан. *Сир эмас, партиямиз ташкил топган дастлабки йиллар вилоятда унинг молиявий асоси ҳам пишиқ-пухта бўлиши лозимлигини кўрсатди.* Газетадан.

ПАРТИЯ II **1** Бирор мақсадда муайян ишни бажариш учун бирлаш(тирил)ган кишилар гуруҳи. *Геология-қидирув партияси.*

2 Муайян жойга бир пайтда жўнатиладиган нарса, товар кабиларнинг маълум (одатда кўп) миқдори. *«Асака» қўшма ҳиссадорлик корхонаси «Нексия», «Дамас», «Тико» каби енгил автомобилларнинг партияларини ишлаб чиқаради.* Газетадан.

3 *шахм.* Бир давра, бир қур ўйин (бошдан охиригача). *Шахмат партияси.* ▬ *Мусобақанинг 10-куни ўйналган А. Ненашев — Р. Қосимжонов партияси ўша кунги, балки бутун турнир давомидаги учрашувларнинг марказида бўлганлиги муқаррар.* Газетадан. *Қозон шаҳрида ўтган мусобақаларнинг финалида россиялик тенгқурларини уч партияда мағлубиятга учратишди.* Газетадан.

4 *мус.* Кўп овозли мусиқа асарининг (оркестр, хор ёки операнинг) якка созанда ёки хонанда ижро этадиган таркибий қисми ва унинг нотаси. *«Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасидаги Қайс партияси.* ▬ *Мақсадим — келгусида ўқишни муваффақиятли тамомлаб, театрда катта партияларни ижро этиш.* Газетадан.

ПАРТИЯВИЙ Маълум партия, гуруҳнинг мафкурасига, манфаатларига мос бўлган; маълум партия тамойилларини амалга оширадиган. *Ана шундан келиб чиқиб, партиявий фракциялар ва гуруҳлар фаолиятини қонунлаштириш керак, деб ўйлаймиз.* Газетадан.

ПАРТИЯВИЙЛИК 1 Дунёқараш, адабиёт ва санъатнинг муайян синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалайдиган ғоявий йўналиши, ғоявий кураш қуроли. *Адабиётнинг партиявийлиги. Санъатнинг партиявийлиги.*

2 Шахснинг бирор сиёсий партияга дахлдорлиги. *Унда мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ.* Газетадан.

ПАРТИЯДОШ Бирор партияга биргаликда аъзо бўлган киши. -*Зумрат Ҳайитова — партиядошимиз, — дейди Халқ демократик партияси Қумқўрғон туман кенгаши биринчи котиби Салтанат Зуннунова.* Газетадан. *Дарҳақиқат, фидойи партиядошимиз айтганидек, инсон ўз меҳнатининг самарасини кўрганда суюнади.* Газетадан.

ПАРТИЯЛИ *эск.* Партия аъзоси. *Колхоз янги туғилганда, бутун қишлоқда тўрттагина партияли бор эди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ПАРТИЯСИЗ Партияга аъзо эмас, партия аъзоси бўлмаган.

ПАРТКОМ [*р.* партийный комитет — «партия комитети» бирикмасининг қисқартмаси] **1** Партия комитети, йирик бошланғич партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи. *Партком аъзоси.*

2 Партия қўмитаси ўрнашган бино, хона.

3 *с.т.* Партия ташкилотининг бошлиғи.

ПАРТНЁР [*фр.* partenaire] Бирор ишда ёки ўйинда, саҳна асарида бирга иштирок этувчилардан ҳар бири, шерик. *Шахматчи партнёрлар.* ▬ *О. Жалилов, О. Жўраев, Н. Раҳимов, А. Турдиевлар билан партнёр бўлиш менга насиб этганди.* Газетадан.

ПАРТОВ [*ф.* پرتاو] *от* Экилмай қолган, қаровсиз, ташландиқ ер, экин майдони. *Партов ерларни ўзлаштирмоқ.* ▬ -*Илгари экин экилиб, кейин ташлаб қўйилган ер партов бўлади-да, — деб паншаха тутган Эр-*

гаш кўса Замоналига бўлишди. П. Қодиров, Қора кўзлар.

ПАРТЎШАК Пардан қилинган, пар тиқилган тўшак. *Чувринди унинг ташвишини тушунди – кўнгли боласида. Бу ерда партўшак солиб берсанг ҳам, тиканзорда ётгандек бўлади.* Т. Малик, Шайтанат. *Чекаман: тутунга тўлади хона, Илк севгим мўралар тўрт бурчагидан. Мен далли, юрагим мендан девона. Ётмайман деб йиғлар, партўшагингда.* М. Юсуф, Осмонимга олиб кетаман.

ПАРФЮМЕР 1 Парфюмерия соҳасида ишловчи киши.

2 *эск.* Парфюмерия моллари сотувчи киши, аттор.

ПАРФЮМЕРИЯ [*фр.* parfumerie < parfum – ёқимли ҳид, атир] **1** Атир, одеколон, упа-элик каби пардоз моллари. *Парфюмерия савдоси. Парфюмерия моллари.*

2 Шундай моллар ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи.

ПАРХИШ Ўсимликнинг узун шохини ерга кўмиб, учини нарироқдан чиқариш йўли билан унинг янги тупини ҳосил қилиш.

ПАРЧА I [*ф.* پارچه – қисм, бўлак, бурда; мато бўлаги; ипак мато тури] **1** Бутундан кесиб, қирқиб, йиртиб, синдириб олинган ёки ўзи ажраган қисм; бўлак, бўлакча. *Қоғоз парчаси. Бомба парчаси.* ▬ *Баҳодир каллакланган тол орасидан суяк, совун парчаларини олар экан, бирдан Нилуфарнинг елим қўғирчоғи чиқиб қолди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Кекса ишчи сўнгги гўшт парчасини оғзига солди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Дераза ойналарига йирик қор парчалари оқ капалакдай уринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бир парча 1) унча катта бўлмаган; кичкина, озгина, арзимайдиган. *Бир парча ер.* ▬ *-Бир парча нон учун сенинг эшигингда чўрилик қилиб, болаларингнинг кирини ювганман, – деди Ойимхон.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигитали бир парча қоғозга қалам билан ёзилган хатни ўқий бошлади.* С. Кароматов, Бир томчи қон; 2) *кўчма* оз (гина), пича, кўп эмас. *Агар уларнинг тили бўлганда эди, ҳар бир жанг тагида кимларнинг манглай терию кимларнинг бир парча умри қолиб кетганини сўйлаб берарди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 *ад.* Асарнинг тугал мазмунли кичик қисми. *Романдан парча.* ▬ *Кўпгина оқшомхонлар ёзувчиларнинг янги асарларидан парчалар бериб боришни, санъаткорларимиз ҳақида кўпроқ ёзишимизни илтимос қилишди.* Газетадан. *Абдулла Қаҳҳор, то асар битгунча, таассуротингиз бузилади, фикрингизни тўла ифодалай олмайсиз, деб ҳатто парча ўқигани рухсат бермас эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

3 *кўчма* Бўлак, бўлакча, қисм. *-Ўғлим, – деди она ўрнидан туриб, юз-кўзларини бошидаги дуррасининг учига артар экан, – фарзанд – қалб парчаси.* Газетадан.

Парча гулли Йирик-йирик гулли. *Парча гулли лас.* ▬ *Хола диванга ўтирди. Бошидан қизил парча гулли жун рўмолини олиб қоқди. Пешонасини, бўйнини артди.* С. Нуров, Нарвон. *Парча гулли чит кўйлагини ҳилпиратганча Гулзебо завқ билан ўйинга тушди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ПАРЧА II [*ф.* پارچه] Зар ип аралаштириб тўқилган қалин ипак мато, кимхобнинг бир тури. *Қаторга тиркадик лўк билан норча, Устига юкладик қирмизи парча.* «Алпомиш». *Туман орасига ўралган чўққининг учи қилич дамидек ярқираб кетди-ю, бир дам кимхоб парчасидек булут ялт-ялт ёниб, кўзни қамаштирди.* С. Аҳмад, Йўлда.

ПАРЧАЛАМОҚ 1 Кесиб, қирқиб, йиртиб, синдириб, майда қисмларга, бўлакларга бўлмоқ, ажратмоқ; тилка-пора қилмоқ, бурдаламоқ. *Ойнани парчаламоқ. Ғиштни парчаламоқ. Қоғозни парчаламоқ.* ▬ *-Мени ҳам ёзибди рўйхатига! Мақсадингга етолмайсан!.. – дея рўйхатни парчалаб ташлади.* К. Яшин, Ҳамза. *Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намоён қил, Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.* Ҳамза.

2 Бўлак-бўлак қилиб юбормоқ, пароканда қилмоқ. *Бектемир душманларни ўқ билан урди, найза билан санчди, гранаталар билан парчалади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *ким.* Таркибий қисмларга ажратмоқ, ажратиб олмоқ, бўлиб юбормоқ. *Атомни парчаламоқ.*

4 Мустақил қисмларга ажратмоқ, бўлиб, ажратиб юбормоқ. *Ўтган асрнинг охирларида ўзбек ерлари Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонлиги ўртасида парчаланган эди.* «Фан ва турмуш».

5 *кўчма* Йўқ қилиб юбормоқ, йўққа чиқармоқ, маҳв этмоқ, емирмоқ, битирмоқ, тугатмоқ. *[Йўлчи] «Ҳамёни зўрлар»нинг ҳокимиятини парчаламоқ учун бел боғлаган ку-*

рашчиларга табиий бир ички интилиш билан яқинлашади. Ойбек, Танланган асарлар. *Зулмат тунин парчалади кучли қуёш.* Ғайратий. *Танимга ўт қалаб кетди, Умидим парчалаб кетди.* Газетадан.

ПАРЧАЛАНМОҚ Бўлакларга бўлинмоқ, қисмларга ажралмоқ, йўқ бўлмоқ. *Разведкачи кемачаларимизнинг хабар қилишича, номаълум кема атом ядросининг парчаланиши ҳисобига ажралиб чиқувчи энергия ёрдамида ҳаракатланади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бу ерда парчаланган севгимни қайси кўз билан томоша қилиб юраман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАРЧА-ПАРЧА Парчаларга бўлинган; бўлак-бўлак, бурда-бурда, чилпарчин. *Парча-парча булутлар. Пиёла парча-парча бўлди.* ▬ *..ўнлаб йигит мақбара томон тош ота бошлади. Бир лаҳзада мақбара эшиги тошлар зарбига бардош беролмай, парча-парча бўлиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Болта қассоб ўлгудай бесабр одам, ҳаром томирларни авайлаб ажратишга вақт топмайди. Уларни парча-парча лаҳм гўштга қўшиб, кесиб олади.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ПАРЧА-ПУРЧА 1 Катта-кичик парчалардан иборат, ҳар хил катталикдаги парчаларга бўлинган; бўлтак-сўлтак. *Чўнтакдан.. катта-кичик михлар, парча-пурча тахтачалар чиқди.* Ойдин, Ўзи монанд. *Ердан бир қарич кўтарилган торгина саҳнда, парча-пурча чирик наматлар солинган айвонга паранжисини отди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Арава ҳам кўҳна, ямоқ-ясқоқ, ғилдирак темиридан унда-мунда парча-пурча қолган: кегайлари шалоқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Арзимайдиган, кичкина, озгина. *Ҳозирча очган ерларни, менимча, парча-пурча деб ҳисоблаш керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ПАРЧИН I [*ф.* پرچیم / پرچین – ғов, тўсиқ; парчинмих билан маҳкамлаш] Архитектура безакларида ишлатиладиган, учбурчак, тўртбурчак ва ҳоказо шаклли сирланган сопол тахтача; кошиннинг бир тури.

ПАРЧИН II **1** *айн.* **парчинмих**.

2: парчин қилмоқ *айн.* **парчинламоқ 2.** *Пиёлани ерга уриб парчин қилди.* ▬ *Иккинчи офицерни кимдир ерга парчин қилди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

Ер парчин (ерпарчин) бўлиб ётмоқ Қимирлашга ҳоли бўлмай ётмоқ.

3 *шв.* Тақа, нағал. *Отамнинг қўлида бир от турибди, Оёғига темир парчин урибди.* «Алпомиш».

ПАРЧИНЛАМОҚ 1 Металл ва ш.к. материалларни парчинмихлар билан ажралмас қилиб бириктирмоқ, маҳкамламоқ; умуман маҳкамлаб қўймоқ, бириктирмоқ. *Эшикни парчинлаб ташлади.* ▬ *Саидийни факультетга парчинлаган катта мих – Мунисхон.* А. Қаҳҳор, Сароб

2 *кўчма* Қапиштириб, ёпиштириб юбормоқ, эзиб ташламоқ, дабдала, ер билан яксон қилмоқ, парчин қилмоқ. *Мезбоннинг ўзидек содда ва кенг феълона ҳукми унинг қатъиятию баландпарвоз хаёлларини парчинлаб ташлади.* «Ёшлик».

ПАРЧИНМИХ Нарсаларни бириктиргач, учли томони ялпоқлаб қўйиладиган, тана ва каллакдан иборат деталь; михпарчин.

ПАРҚ *с.т. қ.* **фарқ** II. *Ҳар икки-уч кунда ёғли қатиқ билан ювиб, майин тишли тароқда гоҳ орқага, гоҳ ён томонга қайириб тараб, чаккадан парқ очарди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ПАРҚИН *фольк.* Отнинг қўлтиғи, қўлтиқ (афсонавий «учар» отда қанот ўрнашган жой). *Шакарбекнинг минган оти Ҳар тарафга олиб қочди, Парқинидан кўпик сочди.* «Ширин билан Шакар».

ПАРҚУ [*ф.* پرقو – оққуш пари, пати] *сфт.* **1** Оққушнинг пари билан тўлдирилган (ёстиқ, тўшак ҳақида). *Парқу ёстиқ.* ▬ *Шакархон гўё кириб келаётгандек, парқу болишларга ёнбошлаганича.. тоқиларига солинган ўймакор гулларга разм ташлаётгандек..* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 *от* Пар солиб тикилган болиш ёки тўшак; пар ёстиқ. *Супабоп туркман гилам, кўрпа-тўшаклар қатма-қат, Ўлтириб сўзлашгани ёнбошда парқу ҳам шинам.* С. Абдулла. *Ўтирдилар бари, ёнбошда парқу: Бошин қўйса, кишини элитар уйқу.* М. Алавия. *Сарҳовузнинг тўрт ёғи шоҳсупа эди.. тўрт ёғига каравотлар қўйилган, парқу тўшалган, ёстиқ қўйилган, ётмоққа ажойиб салқин жой эди.* «Фольклор».

2 *кўчма* Булутлар. *Ой сузар оромижон Парқуларни оралаб, Нурлар ўйнар беармон, Деворларни мўралаб.* А. Суюн, Замин тақдири.

ПАРҲЕЗ [*ф.* پرهیز – нафсини тийиш, сақланиш, сабр; мўътадиллик] **1** *сфт.* Соғ-

лом кишилар ҳамда беморларга мўлжалланган овқат рациони ва овқатланиш режими. *Парҳез овқатларнинг аҳамияти. Парҳез овқат ейдиган кишилар учун мослаштирилган ошхона.*

2 *от* Соғлиққа тўғри келмайдиган овқатлардан ўзини тийиш ва унинг тартиби. *-Баҳузур, — деди Яхшибоев кўксига қўлини босиб, — мен парҳездаман, Муяссархон.* М. М. Дўст, Лолазор.

Парҳез қилмоқ 1) соғлиғига тўғри келмайдиган овқатдан ўзини тиймоқ. *Чунончи, ёғлиқ гўшт билан қайнатилган сабзи юрак-томир ва ошқозон-ичак касалликларида парҳез қилинади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик; 2) *кўчма* ҳазар қилмоқ, жирканмоқ, йирганмоқ. *Бу киши ҳеч нарсадан парҳез қилмайди.*

ПАРҲЕЗДОР [*ф.* پرهیزدار — парҳез қилувчи, парҳездаги] Парҳез билан овқатланадиган, парҳездаги киши. *Парҳездорлар ошхонаси. Парҳездорларга текин талон берилади.*

ПАРҲЕЗКОР [*ф.* پرهیزکار — парҳез қилувчи] *эск.* Ҳаёт лаззатларидан, айш-ишрат, маишатдан ўзини тиювчи; тақводор. *[Мастура:] Ҳа, нима бу, жаям парҳезкор бўлиб кетиб, уйгача паранжилик бўлиб қолибсизларми?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ПАРҲЕЗЛИ 1 Парҳезга оид, парҳездорлар учун белгиланган. *Парҳезли овқат.*

2 *айн.* **парҳездор.** *Парҳезли бемор.* ▬ *Бу ерда ёвғон шўрва ичадиган парҳезлилар йўқ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ПАС I [*фр.* passe — (ўйинни) ўтказиб юбораман] Карта ўйинида: ўйиннинг айни бир даврасида (карта айланишида) фаол қатнашишдан воз кечиш ёки мағлубиятни тан олиш.

ПАС II [*ингл.* pass — узатмоқ, оширмоқ] *спрт.* Баъзи спорт ўйинларида бир ўйинчининг ўз шериги (жамоадоши)га тўп ёки шайбани узатиши.

ПАСАЙМОҚ 1 Баландлиги нисбатан камайиб қолмоқ, чўкмоқ, чўкиб қолмоқ. *Ер зичланиб, анча пасайди.* ▬ *1989 йил Орол денгизининг сатҳи яна бир метрга пасайди.* «Фан ва турмуш». *Каналда сув пасайди, қишлоқ кўчалари, пахтазор пайкаллари селгиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Камаймоқ, кучсизланмоқ, қайтмоқ (ҳодисаларнинг кучи, шиддати, даражаси, миқдори ва ш.к. ҳақида). *Оғриғим пасайди. Қуёш ҳарорати ҳали пасайгани йўқ. Шамол анча пасайди. Боланинг иссиғи пасаймади. Радионинг овози пасайиб қолди.* ▬ *Йўлдошевнинг йиғиси борган сари пасайиб, ниҳоят.. хўрсина-хўрсина жим бўлди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар. *Унинг вужудини қамраб олган ўт аста-секин пасайиб, кўнгли тобора совий бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Юқори амалдан пастроқ амалга тушиб қолмоқ. *Мартабаси пасайди.*

4 *кўчма* Кибру ҳавоси йўқолиб, шахти қайтиб, эпақага келиб қолмоқ, ҳовуридан тушмоқ. *Бир оз пасайинг. У анча пасайиб қолди.*

Попуги пасаймоқ Шаштидан қайтмоқ, ҳовуридан тушмоқ, бўшашиб қолмоқ. *Даъвогарнинг попуги пасайди.*

ПАСПОРТ [*фр.* passeport < *итал.* passaporto — портга кириш ёки у орқали ўтиш учун рухсатнома] **1** Муайян давлат фуқароси эканлигини ва эгасининг шахсини кўрсатувчи ва тасдиқловчи асосий ҳужжат. *Муддатсиз паспорт. Паспорт олмоқ.* ▬ *-Паспортингизни беринг, — деди [ходим] тортмасидан қандайдир қоғозни оларкан.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Паспорт ёзиш идоралари ходимларининг тил билмаслиги ҳам қанчадан-қанча «кашфиёт»ларни келтириб чиқармоқда.* «Муштум».

Паспорт тизими Аҳолини ҳисобга олиш ва унинг кўчиб юришини тартибга солиш қоидалари мажмуи. *Низомда.. паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тартиблари ҳам белгилаб берилган.* «Ўзбекистон Республикаси» (энциклопедия).

2 Корхона, бино, технологик қурилма, асбоб-ускуна қисми, транспорт воситаси ва ш.к. ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилган ҳужжат, гувоҳнома. *Автомобиль паспорти. Телевизор паспорти. Магнитофон паспорти.*

ПАССАЖ [*фр.* passage — ўтиш жойи, йўл] **1** Икки томонида қатор савдо дўконлари жойлашган ёпиқ бино, раста.

2 Бир хил мол-товар сотиладиган катта магазин. *Китоблар пассажи.*

3 Мусиқада: баланд пардадан паст пардага ёки, аксинча, паст пардадан баланд пардага изчил ва тез ўтиб ижро этишдаги тон (товуш)лар изчиллиги.

ПАССАЖИР [*фр.* passager – ўтувчи, борувчи] Поезд, самолёт, пароход каби транспорт воситаларида уларнинг бошқарувчиси сифатида эмас, балки мижози сифатида борувчи, қатновчи киши. *Пассажирларга хизмат кўрсатиш.* ▬ *Шу пайтда олдинда кетаётган пассажир ташийдиган автобус тўхтади.* С. Зуннунова, Олов. *Пассажир поезди гуруллаб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПАССАТ [*нем.* Passat < *голл.* passaat] *геогр.* Тропик кенгликларда океанлар узра эсиб турадиган барқарор шамол, ҳаво оқими.

ПАССИВ I [*лот.* passivus – ҳаракатсиз] *бухг.* **1** Корхона ва ташкилотларнинг барча қарзлари ва мажбуриятлари.

2 Бухгалтерия балансининг ўнг томони: корхона ва ташкилотларнинг мансублиги ва мақсадига кўра гуруҳланган маблағларининг (ўз захиралари, бошқа муассасалардан олинган қарзлар) ҳосил бўлиш манбаларини ифодалайди; *зид.* **актив** I.

ПАССИВ II [*лот.* passivus – суст, сусткаш; лоқайд, иродасиз; мажҳул] Атрофдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга нисбатан бефарқ, лоқайд қарайдиган; ғайратсиз, фаолиятсиз, шижоатсиз; *зид.* **актив** II, **фаол.** *Пассив киши. Ишга юзаки, пассив қараш.* ▬ *Мунисдаги норозилик ва пассив исёнларнинг ўзанлари ва шохобчалари муаллифнинг шахсий ҳамда ижтимоий ҳаёти билан боғлиқдир.* «ЎТА».

ПАССИВЛАШМОҚ Фаолияти сустлашмоқ, пассив, лоқайд бўлиб қолмоқ.

ПАССИВЛИК Нофаоллик, сусткашлик; лоқайдлик. *Агар кимдир ўзини сипороқ тутиб, гапларини ўйлаб, шошмай сўзласа, бундай одамларни юрагида ўти йўқ, деб пассивликка йўядилар.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ПАСТ [*ф.* پست – бўйи қисқа, пакана, унча баланд бўлмаган; пасткаш; жирканч] **1** Юқори томон ўлчами, қадди, бўйи унча баланд бўлмаган, баландлиги, бўйи нисбатан қисқа; пакана, пастак. *Паст девор. Паст бўйли дарахт. Бўйи паст одам.* ▬ *Боғнинг атрофи эски, паст, лекин ямалиб, ясқалиб бутунланган деворлар билан ўралган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу заҳоти ҳовлида паст бўйли йигит пайдо бўлди.* «Шарқ юлдузи».

2 Унча чуқур бўлмаган, саёз. *Паст дарё.*

3 Миқдори, даражаси, нархи унча катта, баланд бўлмаган, нисбатан кам, оз, қуйи. *Нархи паст мол. Паст маош олиб ишламоқ.* ▬ *Бунақа ювош хотинларга қайси эркак паст молни раво кўради.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Тузи паст 1) тузи кам, керагидан оз туз солинган. *Овқатнинг тузи паст;* 2**)** *кўчма* мантиқ-мазмуни, маъноси йўқ. *Намунча гапингнинг тузи паст.*

4 Шиддати, кучи, даражаси унча катта бўлмаган, нисбатан кучсиз, заиф (иссиқлик, босим кабилар ҳақида). *Паст температура.* ▬ *Стрелка сал кўтарилди-ю, яна ҳоли келмай, пастга тушди. Ортиқ, бензин қанча қолганини кўриб, ўзининг ҳам капалаги учиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

5 Унча баланд бўлмаган, бўш (овоз, нота кабилар ҳақида). *Кейин бегуноҳ кўзларини Алимардондан узмай, яна ўша паст, ўйчан оҳангда гапирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У ўзини бир оз тутиб олдида, паст овозда давом этди: -Қўрқманг, институтдан ҳайдамаймиз. Лекин одам деган бунақа маҳмадона бўлмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 Сифати унча яхши бўлмаган; оддий, жўн. *-Кўп хонали уйлар қуриш масаласига келсак, аввало, бизда сифат паст, – деди Ёдгор ўйланиб. – Қўлингизни чўзсангиз, шифтга тегади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Лекин агар бирон ёш ёзувчи ўз имконияти даражасидан пастроқ асар ёзса, уни дарров огоҳлантириб қўяр эдилар.* К. Қаххорова, Чорак аср ҳамнафас.

7 Унчалик яхши эмас, юришмаган («бахт», «омад», «толе» каби сўзлар билан). *Ҳа, ўша толеи паст Жамила.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

8 Серёғин, ёмон, совуқ; *Бу йил ҳаво паст келди.* ▬ *Барг етилмаяпти, баҳор паст келди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

9 Келиб чиқиши, насл-насаби юқори табақаларга хос бўлмаган, асилзода эмас. *[Қизнинг] Юзида оз-моз чиройи бўлгани билан, ўзи таги паст. Сизнинг остонангизга сира арзимайди.* Ҳамза, Танланган асарлар. *[Имом:] Отасини кўндирамиз, унинг таги паст, жазоси пул-да.* Ж. Шарипов, Хоразм.

10 *айн.* **пасткаш.** *Ҳаммага ҳам қилиғингиз шуми ёки мени шундай паст хотин деб ўйладингизми?* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Паст кишида одамият нима қилсин.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Денгиз тубида дур,*

устида чўп-хас, Ўзгани паст билур кимки ўзи паст. Ш. Шомуҳамедов, Одам борки.

Назари паст *ёки* **паст назар** *айн.* **паст 10.** *Ҳазрат гоҳо сезиб қоларди: кўпларга паст назар билан қарашни ҳам ўргангинди Қурбон..* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Арзу ҳолинг эшитмас, Унда ишинг ҳеч битмас. Шунчалик назари паст — Нима берсанг олар у.* «Муштум».

11 Нисбатан қуйи ўрнашган жой; пастлик, чуқурлик. *Пастга тушмоқ.* ▬ *Алимардон сирғаниб, соҳилдан авайлаб юриб, пастга тушди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Олмани тутиб, орқасига қайтса, тут шохидан шошиб, пастга ёшгина бир қиз тушиб келяпти.* С. Зуннунова, Олов.

12 *с.т.* Ер, пол. *Челакни пастга қўй.*

13 Уйнинг кираверишидаги эшикка яқин жой; пойгак. *Ибодулла ҳам акасидан бир қадам пастга тиз чўка қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Этиги лой бўлганидан, Йўлчи танчага ўтирмай, наматнинг учини қайириб, пастроққа чўккалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Авжи паст 1) ўсиши, ривожланиши орқада қолган, унча яхши ўсмаган, ривожланмаган. *Авжи паст экинлар;* 2) *кўчма* кайфияти бузуқ, ҳар вақтдагидан кўра ҳафсаласи йўқроқ, суст. *Бугун дўстимнинг авжи пастроқ кўринади.* **Ақли (***ёки* **зеҳни, эси) паст** Ақли калта, ақли кўп нарсага етмайдиган, фикрлаш қобилияти нормал эмас. -*Эси паст, — деди Деҳқонбой аканинг энсаси қотиб.* С. Зуннунова, Олов. *Ақлинг паст, миянг ёғочдан, қалбинг темирдан!* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Сен зеҳни паст, беэътиқод одам экансан.* «Луқмони Ҳаким». **Машқи паст** *айн.* **авжи паст 2**. **Паст келмоқ** Бўш келмоқ, ён бермоқ (баҳсда, жанжалда). *Сахийлик, меҳмондўстликда андижонликлар Ҳотамдан ўтса ўтардики, аммо паст келмас эди.* Шукрулло, Сайланма. **Паст тушмоқ** 1) жаҳлидан, ҳовуридан тушмоқ. *[Боботой ота] Ўзининг бу ерга нима мақсадда келгани ёдига тушди шекилли: -Бир санамас, мен ҳам дор тагидан қочганлар неварасиман, — деди бир поғона паст тушиб.* «Ёшлик»; 2) хўрланмоқ, ўзини пастга урмоқ. *Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-келиб сизларга айтдимми? Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил хотинфуруш, қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Пастга урмоқ** Камситмоқ, ерга урмоқ; хўрламоқ. *Сизни ҳеч ким ҳозиргидай пастга урмайди. У ёғидан ҳам ташвиш тортиб юрмай қўя қолинг. Тўйни мана шу ерда ўтказамиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Бировнинг уйига бостириб кирибки, шунчалик пасткашлик қилишяптими, қўйинг, гаплашманг, нима қиласиз ўзингизни пастга уриб, жон ўғлим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қўли паст** 1) иши ўнгидан келмаган, омад кулиб боқмаган; 2) ютқизиш ҳолига келган, ютқизиш олдида турган.

ПАСТА [*итал.* pasta — хамир] Тиббиёт, косметика, пазандалик, рассомлик соҳаларида қўлланадиган турли хил хамирсимон моддаларнинг умумий номи. *Тиш пастаси. Совун пастаси. Антисептик паста. Бўёқ пастаси.* ▬ *Биринчи қилган ишим — юзимни икки-уч қайта совунлаб ювиб, оғзимни чайиб ташладим. Уйга бориб, тиш пастаси билан ҳам ювдим.* «Ёшлик».

ПАСТАК [*ф.* پستک — «паст» с. нинг кичр.] *с.т.* Бўйи унчалик баланд бўлмаган, паст, пакана. *Пастак девор. Пастак уй.* ▬ *Умид хаёллар оғушида маст эди. У жимжит хонада деразадан пастак томларга, этдабетда қўққайиб турган мўриларга тикилганича, хаёл наҳрида сузарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Пастак уйларнинг лойсувоқ томлари яхшилаб куралган, икки томондан тушган қор тор кўчани тўлдириб юборган, чеккада ингичка сўқмоқ йўл қолган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАСТАРИН [*ф.* پسترین — жуда паст] *эск. кт.* **1** Сифати, даражаси, мавқеи унчалик баланд бўлмаган; оддий. *Пастарин мол.*

2 Пасткаш одамларга хос; тубан, разил. *Азизбек.. қамалнинг иккинчи куни ўрда томига чиқди, энг кейинги, ҳам энг пастарин чорани кўрмакчи эди бу хоқон.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нодон, пастарин одамлар ушбу замондаги баъзи арбоби ҳукуматларимиздан шикоят қилиб айтурларким..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПАСТ-БАЛАНД 1 Бўйи, баландлиги ҳар хил, ҳар хил баландликдаги. *Паст-баланд болалар.* ▬ *Уфқни ўз гавдаси билан тўсган паст-баланд тоғлар қоп-қорайиб, ридо кийгандек силлиқ кўринарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Турли табақадаги одамлар, катта-кичиклар. *[Оқилова:] Сиз маҳалланинг паст-баландини биласиз.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

3 Пастлик ва баландликлардан иборат; ўйдим-чуқур, нотекис. *Паст-баланд йўл.* ■ *Мана, ўшандан бери бир соатча вақт ўтди, шаҳар боғлари орқада қолиб, олдинда куйган калладай тап-тақир дашт, паст-баланд адирлар бошланди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Улар тор кўчани чангитиб, гурс-гурс қадам ташлаб ўтишди, паст-баланд тепаликлар этагида тўхташди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Турли икир-чикир, майда-чуйда, борди-келдилардан иборат бўлган. *Паст-баланд гаплар.* ■ *Ҳаммада бўладигандек, тирикчилик важидан баъзан ўртамизда паст-баланд гаплар ҳам ўтган.* К. Яшин, Ҳамза.

ПАСТ-БАЛАНДЛИК Паст-баланд, нотекис жой. *Улар паст-баландликлардан туртиниб-суртиниб ошиб, қурилишдан узоқлашдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ҳаёт асфальтга ўхшаган текис эмас, паст-баландликдан иборат.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПАСТЕРЛАШ, пастеризация [*фр.* Pasteur – айни жараённи таклиф этган француз олими Луи Пастер номидан] *махс. ким.* Суюқликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари (мас., вино, сут)даги микроб ва замбуруғларни муайян муддат муайян ҳароратда қиздириш билан йўқотиш усули.

ПАСТКАШ [*ф.* پستکش – пастлик, разиллик қилувчи] **1** Арзимаган нарсанинг ҳам юзига борадиган, арзимас нарсаларга ҳам ўзини урадиган, назари паст. *Биздан сўнг яна учта-тўртта дўкондор кириб келади: ориқ-тирриқ, зиқна, кўпчилиги пасткаш одамлар.* Ойбек, Болалик. *Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди.* Газетадан.

2 *сўк.* Разил, ярамас. *Шунақа бебурд, пасткашмидинг, Неъматжон, илон бўлиб авраган экансан-ку мени.* А. Муҳиддин, Куёв қочди.

ПАСТКАШЛАШМОҚ Пасткаш, назари паст бўла бормоқ, разиллашмоқ.

ПАСТКАШЛИК Разиллик, ярамаслик, назари пастлик. *Бир умр эсимдан чиқаролмасам ҳам, бир умр ўтда қовурилсам ҳам, бундай пасткашлик қилмайман.* С. Зуннунова, Олов. *Ҳафиза Умиднинг садоқатини бир неча бор синаб кўрган. Бу йигитдан номаъқулчилик – пасткашлик чиқмайди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПАСТКИ 1 Пастда ўрнашган, жойлашган, нисбатан қуйидаги, пастдаги. *Бинонинг пастки қавати. Дарахтнинг пастки шохлари. Пастки жағ. Пастки лаб.* ■ *Сихларда кабоб келгач, Бозоров жавоннинг пастки тортмасини очиб, бир шиша беш юлдузли коньяк олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тоҳир пастки қаватдаги очиқ эшикларга бош тиқиб қаради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қуйи, бошланғич, биринчи босқичдаги. *Пастки курс.* ■ *Қори пастки синфларни ўқитар ва ҳар ёз ўқитувчилар қайта тайёрлов курсида ўқиб, билимини ошириб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАСТЛАМОҚ 1 Пастроқ тушмоқ, пастга (томон) ҳаракат қилмоқ, пасаймоқ. *Самолёт пастлаб учиб ўтди.* ■ *Ҳатто бир куни Мирвали тоғ йўлида кета туриб, пастлаб учиб юрган вертолётни қирқма милтиғи билан отиб туширмоқчи бўлиб чоғлангании-ю, катта жанжалга айланишини ўйлаб, бу шахтидан қайтганди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 *кўчма* Паст тушиб, пасайиб кетмоқ. *Иш суръати пастлаб кетди. У сўнгги йилларда пастлаб кетди.*

3 *кўчма* Пасайтирмоқ, паст қилмоқ. -*Э, шоирлар бор бўлсин. Халқнинг дилидаги гапни топиб айтишади барака топкурлар, – деди кейин овозини пастлаб, Ҳамзага шивирлади.* К. Яшин. Ҳамза.

ПАСТЛАШМОҚ 1 Пастламоқ фл. ўзл. н. *Унинг авжи анча пастлашди. Ҳаво пастлашди.*

2 *айн.* **пасткашлашмоқ.**

ПАСТЛИК 1 *айн.* **пасткашлик.** -*Бу одамгарчиликдан, виждондан эмас, бу пастлик, – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Паст ер, ўра, чуқурлик. *Канизак пастликка тушиб кетганида, орқасига бир қайрилиб қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улар сув ёқалаб бориб, пастликка тушдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Йўлчи отни елдириб, тепаликда кетаркан, орқада қолган пастликдаги боққа беихтиёр қаради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПАСТТЕКИСЛИК *геогр.* Океан сатҳидан 200 метргача баланд бўлган қуруқлик.

ПАСТҚАМ 1 Киши назари тушмайдиган; одамлар кам бўладиган; хилват, одамдан холи жой, овлоқ. *Ҳар замон-ҳар замонда обкашли кишиларнинг пастқам кўчаларда ғизиллаб кетаётганини учратиш мумкин эди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. *Ҳозир дод соламан, бошимга одам йиғиб, мелиса мени пастқамга опкелиб, пора сўраяпти, дейман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ғозга қараб кампир ўғли жўнади. Пастқамдан паналаб кетиб боради.* «Алпомиш».

2 *шв.* Унча баланд бўлмаган, пастак, паст ва кўримсиз (уй ёки бино ҳақида). *Ўша [ўттизинчи] йиллардаги уйлар пастқам, диққинафас гувала уй, сомон томлар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўз шеърининг пастқам уйларда жаранглаганидан Аваз бениҳоя хурсанд, бу нарса унга яна илҳом бағишлар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Теварак-атрофга нисбатан паст, чуқур. *Пастқам жар лабида шумтолу анор Ҳамда бир итбурун ўсарди қатор.* Я. Қурбон.

ПАСТҚАМЛИК 1 *айн.* **пастқам 2, 3.** *Пастқамликдаги уйлар.*

2 Кишиларнинг назаридан узоқ, пастқам жой. *Сидиқжон Баҳрободга кечки пайт, пастқамликдан, қалин дарахтзор ва адир оралиқларидан бошланган шом қоронғуси борлиққа тарқала бошлаганда кириб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ПАСХА [*юн.* pascha < *қад. яҳ.* песаҳ – ўтмоқ] *дин.* **1** Христиан динининг православ мазҳабида шу диннинг асосчиси Исонинг тирилишига бағишланган байрам.

2 Яҳудийларда: баҳорги диний байрам (яҳудийларнинг Фиръавн асоратидан қутулиб чиқишига бағишланади).

ПАТ I **1** Парранданинг дум ва қанотларини ташкил қилган, мугузсимон узун найчанинг икки ёнида икки қатор бўлиб ўсиб чиқадиган парлардан иборат аъзоси. *Товуқ пати.* ▬ *Саид Амин сўйилган ўнтача беданани олдига уйиб қўйиб, патларини юлмоқда.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Товус патидан ясалган елпиғичи билан чиройли юзини елпиб-елпиб қўяди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Мато, гилам ва ш.к. нинг юзини қоплаган сунъий тук. *Уй ўртасидаги сандал устида исқирт кўрпа, ерда пати тўзиб кетган эски гилам, кичик бир шолча.. тўшалган.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Чўққи соқол, бошига пати тўзиб кетган сурмаранг духоба дўппи кийган, кўзойнакли, олтмиш ёшлардаги чол велосипед миниб келиб қолди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

Пати тўзимоқ 1) тўзондек ҳар ён сочилмоқ, тўзғимоқ. *Улар [самолётлар].. орқасидан тўзонли из қолдириб, ўқдай учиб борар, момиқ булутларнинг патини тўзитиб, олға парвоз этар, аммо овози эшитилмас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) *кўчма* жаҳли чиқмоқ, салга тутақиб кетмоқ. *Асарингни бугун босишмаса, эртага босишади. Назирийнинг битта таънасига дош беролмай, патинг тўзиб кетди-я! Эҳ, афсус! Шу ўринда жиндак худбинлик қилдинг.* К. Яшин, Ҳамза. **Патини юлмоқ** Бор-йўғини олиб қўймоқ, шилмоқ. **Қитиқ патига тегмоқ** Нозик жойини топиб, жаҳлини чиқармоқ, нафсониятига тегмоқ. *Айниқса, Ғафур Ғуломнинг гаплари баъзиларнинг қитиқ патига тегиб, ўйлантириб қўйди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Бир мажлисда ҳам Шариф Рустамович бировларнинг қитиқ патига тегадиган сўзларни айтганди.* О. Мухторов, Эгилган бош. **Қитиқ патини юлмоқ** Нозик жойини топиб, тилини қисиқ, мулойим қилиб қўймоқ. *[Берди:] Мен буларингнинг қитиқ патини юлиб, ром қилиб олмоқчиман!* А. Қодирий, Обид кетмон. **Қитиқ патини ўлдирмоқ** *айн.* **қитиқ патини юлмоқ**. *Бунинг қитиқ патини ўлдириб, ром қилиб олишим керак, деган фикр ялт этиб ўтди унинг миясидан.* К. Яшин, Ҳамза.

ПАТ II [*фр.* pat – топшириш] Шахматда: ўйин дуранг ҳисобланадиган ҳолатларнинг бири, пот. *Ўйин пат бўлди.*

ПАТАК 1 *от* Оёқ кийими ичига қалин ва юмшоқ мато (мас., кигиз)дан қирқиб солинадиган тўшама. *Кавушим патагин қалин сол, Оёғимни қабартмасин.* «Фольклор».

Патагига қурт тушди *айн.* **пайтавасига қурт тушди** *қ.* **пайтава.**

2 *сфт.* Чигиллашиб, бир-бирига ёпишиб кетган (соч, соқол, юнг кабилар ҳақида). *Ўнг қўлини аста узатиб, унинг патак сочларини силади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қирқ ёшлардаги патак соқол, суяги бузуқ, бадбашара киши кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Патак илдиз Йўғон илдиздан ўсиб чиққан майда зич илдизчалар.

ПАТАКЛАШМОҚ Чигиллашиб, бир-бирига ёпишиб, киришиб кетмоқ, патак

ҳолга келмоқ (*қ.* **патак 2**). *Қиш бўйи қўрада ётавериб, доғ-дуғ жунлари патаклашган қўйлар..* «Ёшлик».

ПАТАРАТ *с.т.* Пароканда, тартибсиз, алғов-далғов. *Янги кўчиб келган кезлари бу ерлар бир патарат қурилиш майдони эди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

Патарат топмоқ *с.т.* Парокандаликка учраб маҳв бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ. *Сарсон-саргардон бўлиб ўлиб кетган хотинимнинг умрини нима билан тўлайсан? Йўқ бўлиб, тўзиб, патарат топиб кетган оиламга қанча ҳақ тўлайсан?* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Омбор, сушилка қуриш учун берилган материалларни ўз ўрнида фойдаланмай, патарат топтириб, хижолат бўлиб юрган бетайин раисларни ҳам биламиз.* А. Муҳиддин, Ошналар.

ПАТЕНТ [*лот.* patens, patentis – аниқ, очиқ] **1** Ихтирочига Давлат патент идораси томонидан бериладиган, унинг ўз ихтиросига муаллифлиги ва мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. *«Амиридин» деган препарати учун АҚШ, Буюк Британия, Швейцарияда патент олинди.* «Фан ва турмуш». *Таниқли ботаник олим Қаҳҳор Ҳожиматов бошчилигида ушбу шифобахш воситани яратган тадқиқотчилар эса Давлат патент идорасидан патент олишди.* «Фан ва турмуш». *Маъданларни қайта ишлашга оид ишлаб чиқилган технологияларга патентлар олинди.* Газетадан.

2 Савдо-сотиқ ёки бирор касб-ҳунар билан шуғулланиш учун рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат. *Илгариги катта дўконини ёпиб, патентини топширди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳожатбарорликда қадамлари ростланиб, хусусий меҳнат фаолиятини юргизиш учун патент олди.* Газетадан. *Ўша вақтлари патент олиб, ўзимнинг шахсий «Москвич»имда киракашлик қилар эдим.* Газетадан.

ПАТЕНТЛАНМОҚ Патентга эга бўлмоқ, патент олмоқ. *Бундай қайта ишлаш усули Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш институтининг доценти Бахтиёр Шоймардонов томонидан патентланди.* «Фан ва турмуш».

ПАТЕФОН [*фр.* Pathe (Пате) – фирма номи + *юн.* phone – товуш] *эск.* Граммофон пластинкасига ёзиб олинган мусиқа, ашула, нутқ кабиларни қайта эшиттириш учун хизмат қиладиган аппарат. *Патефон пластинкаси. Патефон қўймоқ. Патефон эшитмоқ.* ▬ *Лутфиниса туриб, патефон мембранасини кўтариб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Муяссар ўрнидан туриб, патефонга пластинка қўйиб келди. Бирор ўн минут жимгина тамадди қилдилар.* М. М. Дўст, Лолазор.

ПАТИЛА [*а.* فتله – бурам, ўрам, ҳалқа; жингала(к), гажак; ип, тола] Ўрилмаган, шокила (соч, гажим, попук кабилар ҳақида). *Зубайда онасининг заҳил рангига, беш-ўнта оқ оралаган патила сочларига, лекин ҳали ҳам пистадек оғзига.. тикилганча, миқ этмай ўтираверди.* К. Яшин, Ҳамза. *[Ғозиддин] Уй олдидаги йўлкада юпун кийинган, патила соч бир йигит қорга бурканиб, қорни ғирчиллатганича, у ёқ-бу ёққа тажанг одимлаётганини кўрди.* О. Мухторов, Эгилган бош.

ПАТИЛА-ПАТИЛА Ўрилмаган, тарқоқ, шокила-шокила, жингалак. *Рустам уни дарров таниди: Катя! Ўзи. Қўнғир сочлари патила-патила, мовий кўзларида қуёш ёнади.* В. Ғофуров, Вафодор. *Унинг [Жасур] ёнига боргиси, патила-патила сочларини силаб, бўртиб турган мушакларини.. ушлаб кўргиси келди.* Н. Қиличев, Ёронгул.

ПАТИЛЛАМОҚ «Пат-пат» овоз чиқармоқ, патирламоқ. *Ора-сира мотоцикл патиллаб ўтиб қолади-да, чўл бағрига ўқдек санчилиб, бир зумда йўқ бўлиб кетади.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Хотин чарс беданадай патиллаб, қочмоқчи бўлганида, юзини карнайгулнинг поясига уриб олди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ПАТИНЖОН *шв.* Потинжон.

ПАТИР I [*а.* فطير – оширилмаган, кўптирилмаган (нон)] Кўпинча ёғ аралаштирилган, оширилмаган хамирдан чекичлаб тайёрланадиган юпқароқ нон. *Шўрвага патир тўғрамоқ.* ▬ *[Жондор] Хамири нуқул қаймоққа қорилиб, оғизда эриб кетувчи оппоқ патир нонларни.. ушатиб ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Паҳлавон] ёш шоирнинг ғамини еб, патир нон, қатлама, шарбат олиб келган эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Патир ушатиш *этн.* Унашиш, унаштириш маросими. *Ҳадича келин Шакархоннинг сочини ўриб туриб: -Ҳа, нима гап, яна патир ушатиш бўляптими? – деди.* Ойдин, Ўзи

монанд. **Хамир(нинг) учидан патир** Катта нарсанинг, ишнинг бошла(н)маси, дастлабки кичик бир қисми, улуши. *Бу ўтириш хамир учидан патир, катта зиёфат кейин бўлади.* ▬ *Бу хамирнинг учидан патир, ўз қўлим билан эккан ҳандалакнинг тўнғич ҳосили.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ПАТИР II *тақл. с.* Кескин қанот қоқиш, тез айланиш ва ш.к. ҳаракат ва улардан чиқадиган товуш. *Каптар патир этиб қўлдан чиқди.*

ПАТИРЛАМОҚ 1 «Патир-патир» овоз чиқармоқ, патилламоқ. *Ўрмон шитирлаб қолди, Барглар патирлаб қолди.* Ҳ. Олимжон. *Терак шохларидаги каптарлар уни танибми, патирлаб, осмону фалакка кўтарилди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Тез ва кетма-кет пайдо бўлмоқ. *Тиниқ кўк юзида юлдузлар патирлай бошлади.*

ПАТИР-ПАТИР Патир II с. такр. *Қушлар патир-патир учиб кетди.* ▬ *Метин, беллар патир-патир Ишлайди канал ичинда.* «Фольклор». *Фаранг милтиқ патир-патир Отилди майдон ичинда.* «Равшан».

ПАТИР-ПУТУР *тақл. с.* Тез, кескин ҳаракат ва ундан ҳосил бўладиган товуш. *Хўрозларнинг патир-путури. Патир-путур отишма.* ▬ *Кунлардан бир кун қош қорайганда.. каптархона ичи бирдан тўс-тўполон, патир-путур бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

Патир-путур ишламоқ Тез, апил-тапил, шоша-пиша ишламоқ.

ПАТИССОН [*фр.* patisson – кулча қовоқ < pate – пирог] Қовоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик сабзавот ўсимлиги. *Патиссон тузламоқ.*

ПАТЛИ 1 Пат билан қопланган, пати бор. *Кўркам патли қуш.*

2 Сунъий тук билан қопланган, тукли. *Патли мовут.* ▬ *Паст бўйли, янги брезент этик, галифе шим, гимнастёрка кийган.. бир киши таклифни кутмай, патли гиламдан дадил келиб, қўлтиғидаги қора чарм папкасини стол четига қўйди.* С. Нуров, Нарвон. *Маликахон ҳеч нарса демади, лабини истиғно билан буриб, пахтасини хирмонга бўшатди, кейин юзи патли, сариқ шиппагини ечиб, қоқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПАТНИС [*р.* поднос < подносить – олиб келмоқ] **1** Идиш-товоқ ёки бошқа бирор нарсани ташиш ёхуд нон, қанд-курс, мева-чева кабиларни солиб, дастурхонга қўйиш учун мўлжалланган, кенг, ясси, четлари сал қайрилган металл ёки пластмасса буюм. *Гулдор патнис.* ▬ *Хилма-хил, ранг-баранг қимматбаҳо мева-чевалар билан лим тўла бўлган патнислар кетма-кет етказилиб турилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғуломжон кулиб туриб, олдидаги бўш қовун косаларини патнисга солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Меҳмонларнинг олдига қўйиш учун тузалган шундай идиш. *Унинг [Мирзакаримбойнинг] кампири патнис ва бир чойнак чой олиб чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Холдорхон дастурхонга патнис қўяр экан, энгашиб туриб гапирди.* С. Зуннунова, Олов.

Самовар патнис Самовар остига қўйиладиган патнис.

3 Духовкада пишириладиган нарса териб қўйиладиган ясси тунука. *Сомсаларни патнисга териб, духовкага қўймоқ.* ▬ *Сомсаларни қизитилган тандирнинг жағига ёпиб ёки патниси ёғланган духовкага қўйиб пиширасиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПАТО- [*юн.* pathos – дард-алам, қайғу; бахтсизлик, касаллик] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг касаллик, дард, азобга алоқадорлигини билдиради (мас., *патология, патопсихология*).

ПАТОГЕНЕЗ [пато.. + *юн.* genesis – пайдо бўлиш, келиб чиқиш] *тиб.* Касаллик ва унинг айрим белгилари пайдо бўлиши ҳамда ривожланишидаги жараёнлар мажмуи ва уларни ўрганадиган соҳа.

ПАТОЛОГ Патология врачи, мутахассиси.

ПАТОЛОГИК *тиб.* **1** Патологияга, касалликка оид. *Патологик анатомия. Патологик физиология.*

2 Меъёрдан ташқари, носоғ аъзога хос. *Патологик белгилар. Патологик ҳодиса.* ▬ *Одам тишларида баъзи нонормал ва патологик ўзгаришлар жуда аниқ билиниб туради.* «Фан ва турмуш». *Мен патологик жараён мияга боғлиқ эмаслигини аниқладим.* Н. Ёқубов, Жон.

ПАТОЛОГИЯ [пато.. + *юн.* logos – билим, тушунча] *тиб.* **1** Тиббиётнинг организмдаги касаллик жараёнлари ва ҳолатларини, касалликнинг пайдо бўлиш сабабларини ва оқибатини ўрганадиган соҳаси.

2 Меъёрдан четга чиқиш ҳолати, анормал тузилиш; анормаллик.

ПАТОПСИХОЛОГИЯ [пато.. + психология] Психологиянинг инсон бош миясининг зарарланиши ёки унинг етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида келиб чиқадиган руҳий касалликларни ўрганадиган бўлими.

ПАТ-ПАТ *тақл. с.* Мотордан отилиб чиқаётган газнинг узиқ-узиқ товуши ҳақида. *Раъно идорага яқинлашар экан, бирдан пат-пат қилган мотор товуши жимликни бузди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ПАТПАТЛАМОҚ «Пат-пат» овоз чиқармоқ. *Движок патпатлаб, тариллаб юбордию, Денов хурмосидай қизарган лампочкалар бирдан ёниб, стол устию бутун хона ичи ғайритабиий ёришиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

ПАТРИАРХ [*юн.* patriarches < pater, patros – ота + archo – бошқараман] **1** *тар.* Уруғчилик жамиятида уруғ бошлиғи.

2 Православ черковида: энг олий ҳуқуққа эга бўлган руҳоний ва унинг унвони; православ черкови бошлиғи.

ПАТРИАРХАЛ Патриархатга, оила бошлиғи сифатида эркаклар чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган даврга оид. *Патриархал тузум. Патриархал муносабатлар.*

ПАТРИАРХАТ [*юн.* pater, patros – ота + arche – ҳокимият] **1** *тар.* Ибтидоий тузумнинг матриархатдан кейинги, оилада, хўжалик ва ижтимоий муносабатларда эркаклар ҳукмронлик қилган даври, оталик даври.

2 Патриарх қўл остидаги черков бошқаруви тизими.

ПАТРОН [*фр.* patron – қолип, андоза] **1** *ҳарб.* Гильзага бир бутун қилиб жойланган (отилиб чиқадиган) ўқ, порох заряди ва пистон (капсюль). *Милтиқ патрони. Пистолет патрони. Ўнта патрон жойланадиган магазинли автомат.* ▬ *Қоровуллар қўлларидаги милтиқларни яна бир карра кўздан кечириб, эҳтиёт патронларни ҳозирладилар.* С. Айний, Қуллар. *Натижа ёмон бўлмади: булар ёрдамида учта пулемёт, ўттиздан ортиқ патрон ўлжа олинди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *тех.* Токарлик ёки пармалаш станокларида станокнинг айланувчи қисмига ўрнатиладиган, ишлов бериладиган детални ёки кесувчи асбобни сиқиб тутиб турадиган мослама. *Пармани патронга ўрнаштирмоқ.*

3 Электр лампочкаси бураб киритиладиган ва уни электр тармоғига улайдиган мослама. *Куйган патронни алмаштирмоқ.*

ПАТРОНАЖ [*фр.* patronage – ҳомийлик] Тиббий муассасалар томонидан ёш (гўдак) болалар, ҳомиладор аёллар ва айрим беморларга уй шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш тизими. *Айниқса, аҳолининг ижтимоий кам ҳимояланган қатламларига тиббий ёрдамни такомиллаштириш, самарали патронаж хизматини йўлга қўйишга катта эътибор берилди.* «Фан ва турмуш».

ПАТРОНТАШ [*нем.* Patrontasche – патрон халта] Милтиқ ва тўппонча ўқлари жойлаб олиб юриладиган махсус халта, ўқдон. *Лола югурганича ўтовига кириб, қозиқдан милтиқ, патронташни олиб чиқди.* Ё. Шукуров, Довюрак қиз. *Ўқ-дорилар ҳам етарли эканлиги кўриниб турарди: баъзилар катта патронташларини елкага осиб.. олган эдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПАТРУЛЬ [*фр.* patrouille – қўриқчи, қоровул] Маълум ҳудуднинг хавфсизлигини таъминлаш ва тартиб сақлаш учун қўйилган қуролли кишилар ёки ҳарбий самолёт, кема кабилар гуруҳи. *Қуролли патруль. Милиция патрули. Дружиначилар патрули.* ▬ *Билагига қизил лента боғлаган патруль-матрос вокзалга яқин келган халқ тўлқинини кузатар ва тартибга солиб турар эди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

ПАТТА [*ф.* پته – талон; рухсат, рухсатнома; чек] *с.т.* **1** Билет; чек; талон. *Поезд паттаси. Бозор паттаси.* ▬ *Борса, дугонаси келмаган экан. Патта олиб, кино бошланар пайтигача уни бетоқат кутди.* Н. Қиличев. Чиғириқ. *Ота, «Ҳеч бўлмаса шу зиёлинамо одам патта йиртиб олади», деб ўйлаган эди. Йўқ, у йўлкира ҳам тўламай, зинага оёқ қўйиб тураверди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Гувоҳнома, ҳужжат. -*Куёвинг Маъмуржон билан загснинг никоҳ паттасини оласизлар, – деди Мамасаид.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Паттасини қўлига бермоқ (*ёки* **тутқазмоқ)** Рухсатини бермоқ, бўшатмоқ, ҳайдамоқ, жўнатмоқ. *Ғиди-биди қилса, паттаси ўша куни қўлига тутқазилади.* ▬ *Раис-*

нинг паттасини қўлига бериб юборганимизга бу йил роса тўрт йил бўлди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. **Паттаси (қўлига) тегди** Рухсат берилди, бўшатилди, жўнатилди.

ПАТТАЧИ *с.т.* Патта, билет, чек, талон сотувчи киши. *-Бунга [трамвайга] тушиб, бир гашт қилардик, муллажиринг йўқ. Осилсак, паттачидан калтак еймиз, — деди ўртоқларимиздан бири.* Ойбек, Болалик. *-Бозор дарвозаси олдида турган паттачининг олдига қовун билан тарвузни омонат қўйиб, ичкари кирдик, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бахтимга танишим — мош бозорининг паттачиси учраб қолди, сара мошдан анча арзонга бира тўла ўн килосини пакетга солиб берди.* Газетадан.

ПАТТАЧИЛИК Патта сотиш билан шуғулланиш. *-Олий маълумотли одам бозорда паттачилик қилгани уялмайсизми? — деб хижолат қилишди.* Газетадан.

ПАУЗА [*лот.* pause < *юн.* pauses — тўхтатиш, тугатиш] **1** Нутқ орасидаги, маълум иш жараёнидаги узилиш, тўхташ. *Пауза чўзилиб кета бошлагандан кейин Гавҳар ўрнидан туриб, орқасига ўгирилди-да: -Ҳа, қани ким қайси мавзуга қизиқади? — деб сўради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *мус.* Куй, ашула ўртасида муайян вақт узилиш, тўхташ ва унинг нотадаги белгиси.

ПАУПЕРИЗМ [*лот.* pauper — камбағал, мулксиз] *иқт.* Жамиятда ишсизлик, инфляция, кам даромад топиш, мулкий тенгсизлик билан боғлиқ бўлган оммавий қашшоқлик.

ПАФОС [*юн.* pathos — ҳис, завқ; эҳтирос] *кт.* Кўтаринки руҳ, жўшқинлик, завқшавқ. *Пафос билан гапирмоқ.* ▬ *Ҳамма теримда унумли меҳнат пафоси билан ишламоқда.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Шоир фикрларидаги етакчи концепция, бош пафос замондошларимизнинг ҳаётий позициясидан, ҳаёт фалсафасидан нур эмиши, айниқса, нуфузлидир.* «ЎТА».

ПАФОСЛИ *кт.* Завқ-шавқ билан тўлган, кўтаринки, жўшқин. *Пафосли шеърлар.*

ПАХМАЙМОҚ Тартибсиз ўсиб кетмоқ, чигаллашиб ва тўзиб кетмоқ, хурпаймоқ (соч, соқол, юнг ҳақида). *Кийимларим йиртилиб, тиззаларимнинг кўзи шилиниб, соқолларим пахмайиб кетди.* И. Раҳим, Оловкор.

ПАХМОҚ I **1** *сфт.* Тартибсиз ўсиб кетган, ўсиқ, ҳурпайган. *Пахмоқ соч.* ▬ *Чўпон ота.. пахмоқ соқолларини силаб, бағрини офтобга тоблаб, тоғ бағрига ёнбошлади.* Ойдин, Ширинга мактуб. *Пахмоқ соқол ўтирган ерида саломга алик олди.* Т. Малик, Шайтанат.

2 Шох-шаббаси тартибсиз ўсиб тарвақайлаган сада шаклидаги. *Сидиқжон катта йўлдан анча четда, каттакон пахмоқ бир дарахт остида милтиллаб турган чироққа томон бурилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Юнги ёки соч-соқоли ўсиқ, бароқ. *Жунлари ўсиқ пахмоқ қўйлар бўйинларини чўзганча сув тўлатилган охурларга интилади.* С. Анорбоев, Ҳаракатда баракат. *Тупроққа қоришиб ётган катта, пахмоқ кучук занжирини шалдиратиб, ўрнидан турди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПАХМОҚ II Бир томони тукли, майин ва қалин ип газлама; бумазей. *Пахмоқ кўйлак.*

ПАХСА [*ф.* پخسه] **1** Пишитилган лойдан устма-уст босиб қурилган девор ва унинг ҳар бир қавати, қатори. *Бир пахса девор. Пахса қўймоқ (урмоқ).* ▬ *Уч кундан кейин эшигимизга қора отлиқ келди. Пахсадан бўйнини чўзиб қичқирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Пахсадан иборат, пахсадан қилинган, қурилган. *Унда-бунда қурилган пахса уйларда гўё ҳаёт йўқдай.* «Саодат». *Пахса деворлар нураб, қатор туяларнинг ўркачларидек баланд-паст бўлиб қолган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Қўлини пахса қилмоқ Кафтини катта очган ҳолда қўлини тингловчи томон чўзиб, дағдаға билан гапирмоқ. *Оқсоқол одамларни клубга тўплаб, ваъзхонлик қилди. Қизиқ, чол қўлини пахса қилиб, шунақанги гаплар айтдики, ҳаммаси қулоғимга михланиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Болта муаллим тезгина унинг олдига ўтиб, қўлларини пахса қилиб, алланималарни тушунтира кетди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

3 *кўчма* Карра, даража. *Ганжанинг кайфияти яна бир пахса кўтарилди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ПАХСАКАШ [*ф.* پخسه‌کش — пахса урувчи, қўювчи] Пахса девор урувчи, деворзан.

ПАХСАЛИ Пахсадан қурилган. *Ичкари ҳовли тўққиз пахсали девор билан ўралган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳув оқарган қўшқаватли*

қўрғонча, Деворлари тўрт пахсали, мустаҳкам. Ғ. Ғулом.

ПАХСАЧИ *айн.* **пахсакаш**.

ПАХТА 1 Ғўза ўсимлигининг чигит ва толалардан иборат оппоқ юмшоқ ҳосили. *Узун толали пахта. Чигитли пахта. Чигитсиз пахта. Пахта териш. Эски пахта бўз бўлмас, асли душман дўст бўлмас.* Мақол. ▬ *У кечқурун терган пахтасини табелчига ўтказиб, ювиниб-тараниб.. қишлоққа жўнади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ипак пахта Толаси ингичка, узун ва пишиқ пахта. *Тилда достон Фарғона – Ипак пахта диёри.* Ё. Мирзо. **Пахта тозалаш** 1) пахтани хас-хашак, чанг-тўзондан тозалаш; 2) пахтани чигитдан айириш. *У шаҳарга киргандан кейин пахта тозалаш заводи ёнидаги бекатда тушди.* Т. Ашуров, Оқ от.

2 Чигитдан ажратилган шу маҳсулот; момиқ. *Пахтадан ип йигирмоқ.* ▬ *Вазиранинг эгнида шафтоли гулига монанд, кўкси очиқ, елкасига пахта қўйиб тикилган шойи кўйлак.* С. Аҳмад, Уфқ. *Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ўринда.. туради.* Газетадан.

3 *с.т. айн.* **ғўза.** *Узоқ-узоқда ҳали кун кўтарилмаганига қарамай.. қўлларига кетмон ушлаган йигитлар пахта суғориб юрибдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 *сфт.* Гули, тасвири (очилган) пахтага ўхшаш. *Қурбонов чўнтагидан ён дафтарча чиқарди: -Бу кишига ўттизта чойнак, юзта пахта гулли пиёла.. тақсимчаси билан.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Пахта гулли чойнакни олдига тортди.* Т. Ашуров, Оқ от.

Кўзининг пахтаси чиқмоқ Ғазаб ёки ҳаяжондан кўзлари катта-катта очилмоқ, кўзи ола-кула бўлмоқ. *Ортиқ талвасада, қўллари билан бошини тўсиб, кўзининг пахтаси чиқиб, тисарилди.* М. Мансуров, Ёмби. **Пахта олма** Узоқ сақланмайдиган эртапишар маҳаллий олма нави. *Пахта олма пишди, шотут қизарди. Учинчи чопиқни бошладик кеча.* Ғ. Ғулом.

ПАХТАДОҒ Пахтани ўтга тоблаб ёки қизитилган ёққа булаб, шишга, ярага қўйиладиган иситувчи компресс. *Пахтадоғ шишни қайтаради.*

Пахтадоғ қилмоқ Қизитилган ёққа буланган ёки ўтда тобланган пахта билан компресс қилмоқ. *-Нима гап бўлди, дадаси? – сўради пахтадоғ қилиб келган онайи зор шошилиб.* «Шарқ юлдузи».

ПАХТАЗОР Ғўза экилган жой, ғўза билан банд ер, дала, майдон. *Пахтазор водий.* ▬ *Катта кўча билан айланиб ўтамизми? Пахтазорни кесиб чиқа қолайлик.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳу ана, сомон шляпали Олимов пахтазор чеккасидан келяпти.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ПАХТАК Дуккаклиларга мансуб, бўёқчиликда хомашё сифатида ишлатиладиган бута.

ПАХТАКАШ *тар.* Чувилмаган кўсакларни сотиб олиб, чувиб ёки чувитиб, баъзан чигитдан ҳам ажратиб сотиш билан шуғулланадиган киши; пахтафуруш. *-Илоҳи тавба, – деди бир пахтакаш,– болачақалар бир ҳафта тирноқ кўчириб, ғўза чувиганлар.* С. Айний, Қуллар.

ПАХТАКОР 1 Чигит экиш билан шуғулланувчи, пахта етиштирувчи киши. *Илғор пахтакор.* ▬ *Оддий пахтакор аввал қандай ишлаган бўлса, ҳамон шундай, пахтага ҳеч қачон хиёнат қилмайди.* «Саодат». *Чорвадорсан, ботирсан – қўлда қўбизинг билан, Пахтакорсан, ишчисан, дарёни бурувчисан.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *сфт.* Чигит экиб, пахта етиштирадиган. *Пахтакор ерлар.*

ПАХТАКОРЛИК 1 Чигит экиш билан шуғулланишлик; пахтакор касби. *Донгдор пахтакорлигимиз оламга машҳур. Пахтакорлик шарафли касб.*

2 *айн.* **пахтачилик 2.** *Бироқ пахтакорликни ривожлантиришдан туб аҳолининг ҳаёти яхшиланди.* Газетадан.

ПАХТАЛИ Пахтаси бўлган, пахта солинган. *Пахтали шим. Пахтали чопон.* ▬ *Очил эса ёқаси ва енгларига қўнғир клеёнкадан жияк қўйиб тикилган эски пахтали фуфайкада.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Саодат кампир пахтали нимчасини олиб кийди.* «Саодат».

ПАХТАЛИК *с.т. от* Авра ва астар орасига пахта солиб тикилган қишлик уст кийим. *Кумуш тонг билан бирга уйғонган Фароғат калта пахталигини кийиб, далага чиқиб кетди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Кўп ўтмай, чайлада мен билан пахталик кийган йигитдан бошқа ҳеч ким қолмади.* Ў. Умарбеков, Олтин япроқлар.

ПАХТАТИКАН Пояси қисқа, барглари майда тиканли, кўп йиллик ёввойи ўт.

ПАХТАФУРУШ *тар.* Пахта савдоси билан шуғулланган киши. *Мен Абдурашид пахтафуруш деган бойнинг аравасини минар эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ПАХТАЧИ 1 *эск.* Пахта тозалаш ва пахта савдоси билан шуғулланган бой. *Дада, энди пахта заводи қурмасак бўлмайди. Модомики, пахтачи бўлдим, заводсиз илож йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т. айн.* **пахтакор**. *Кампирнинг бир қизи колхоз раиси.. биттаси колхознинг сут фермасида ишлайди, ўғли тажрибакор пахтачи.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

ПАХТАЧИЛИК 1 *қ.* **пахтакорлик 1.** *Пахтачилик билан шуғулланмоқ. Пахтачиликда катта ва кўп тармоқли хўжаликни бошқаришда ўттиз йиллик тажриба эгаси!* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

2 Қишлоқ хўжалигининг ғўза экиш, пахта етиштириш билан шуғулланувчи тармоғи. *Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликдир. Пахтачиликнинг ривожланиши. Пахтачиликни механизациялаштириш. Пахтачилик илмий-текшириш институти.* ▬ *Бироқ пахтачиликни ривожлантиришдан туб аҳолининг ҳаёти яхшиланди.* Газетадан.

3 Муайян туркумга мансуб ғўзанинг келиб чиқиши, эволюцияси, ўсиши ва ривожланиши, уни деҳқончиликда етиштириш қонуниятлари ҳақидаги фан.

ПАХТАШУНОС Пахта илми, пахтачилик билан шуғулланувчи мутахассис.

ПАЦИЕНТ [*лот.* patiens, patientis — азоб тортувчи, бемор, сабр қилувчи] Тиббий хизмат кўрсатилаётган ёки тиббий кўрик жараёнида бўлган шахс.

ПАЦИФИЗМ [*лот.* pacificus — келиштирувчи, тинчлантирувчи] Ҳар қандай урушга қарши бўлган ва ер юзида тинчлик бўлишини ёқловчи дунёқараш, оқим. [*Эйнштейн*] *Халқаро пацифизмга яқиндан ёрдам бериш учун кўп куч сарфлади.* «Фан ва турмуш».

ПАЦИФИСТ Пацифизм тарафдори.

ПАЦИФИСТИК Пацифизмга ва пацифистга оид. *Пацифистик қараш. Пацифистик ҳаракат.*

ПАЧАВА Ниҳоят даражада ёмон, расво (иш, аҳвол ҳақида). [*Шокир ота*] *Ёлғиз ўзи эмас, балки бутун аҳли косибнинг аҳволи пачава эканини очиб ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Пачаваси чиқмоқ Ниҳоят даражада ёмонлашмоқ, расво бўлмоқ, расвоси чиқмоқ. *Ахир, салгина ношудлик ишнинг пачавасини чиқариб қўяди.* Н. Фозилов, Оқим. *Ўз бошлиғининг.. «Ишнинг пачавасини чиқардингиз», деган товуши эшитилгандек бўлди.* Шуҳрат, Умид поғоналари.

ПАЧАКИЛАШМОҚ Бекорга тортишмоқ, баҳслашмоқ, ади-бади айтишмоқ, гап талашмоқ. *Соҳиб қори бетгачопар Бегимхон билан пачакилашиб ўтиргиси келмай, ташқарига чиқа бошлаган эди, Бегимхон уни этагидан судраб, яна айвонга олиб чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. -*Сен бошингни кўтар, мишиқилар билан пачакилашма, — дейди Турғунали.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ПАЧАҚ 1 Букилиб, эзилиб ёки синиб ичига ботган; абжағи чиққан; мажақ. *Пачақ челак. Машинанинг қаноти урилиб пачақ бўлибди.* ▬ *Йигит узоқда ҳайбатли темир уюмлари сингари ағанаб ётган пачақ паровозларга тикилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У* [*самоварчи*] *устанинг қўлига туша-туша хўп эзилган, қорни пачақ, чиркин катта самоварнинг олдида ёғоч елкасини қисиб ўтирарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Синиқ, синган. *Пачақ тухум.*

Пачағи чиқмоқ 1) пачақ бўлмок. *Челакнинг пачағи чиқди;* 2) *кўчма* абжағи чиқмоқ, тор-мор бўлмоқ. *Урушда пачағи чиққан бу "зобит"лар ҳали ҳам ўзларини кўкларда ҳис қилар, ҳали ҳам ғолиблардек мағрур эдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Урилган, эзилган. *Пачақ олма.*

4 *кўчма* Яхши ўсмай, ривожланмай, майда бўлиб қолган; реза, ушоқ. *Пачақ бола. Пачақ ўсимлик.* ▬ *Ҳавас қилиб келган Бургутим ҳар куни кўриб юрган оддий кишилардай, жуссаси ҳам, юзи ҳам, қарашлари ҳам оддий, пачақ бир йигит бўлиб чиқди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ПАЧАҚЛАМОҚ 1 Пачақ қилмоқ, мажақ қилмоқ, эзмоқ. *Бола тухумни пачақлади.*

2 *кўчма* Тор-мор қилмоқ, абжағини чиқармоқ. *Душман армиясини пачақламоқ.* ▬ *Пачақлаймиз қириб, қўрқинч ёв бу, Шаҳарга ўт қўювчи зўр олов бу.* Ҳабибий, Девон. *Бутун юлдузларингни тош қилиб от, Пачақлаб ерга ур, чалпак қилиб қот.* Ҳабибий, Девон.

ПАЧАҚ-ПАЧАҚ Бутунлай майда-майда, пора-пора бўлган, пачаги, абжаги чиққан. *Тарелка тошга урилиб пачақ-пачақ бўлди.* ▬ *Шашвар тўқмоқ билан бошига урдим, боши пачақ-пачақ бўлиб кетди.* «Эртаклар».

ПАЧКА [*р.* пачка < *нем.* Pack, Packen – боғлам, ўрам; даста, шода] Тахланган, ўралган, боғланган ёки қутичага жойланган бир турдаги нарсалар. *Ўн пачка қалам. Тўрт пачка папирос. Бир пачка чой.* ▬ *Дўкондан бир пачка сигарета олиб, уйдан унча узоқ бўлмаган зоопаркка йўл олди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПАЧКАЛАМОҚ Бир хилдаги нарсаларни тахлаб, ўраб боғламоқ ёки қутичаларга жойламоқ. *Юз сўмликларни пачкаламоқ. Дафтарларни пачкаламоқ. Сигареталарни пачкаламоқ. Чой пачкаламоқ.* ▬ *Зоҳир ака қирқиб четин, Пачкалаб тез бирин-кетин, Ҳар томонга жўнатади, Китобхонни қувнатади.* О. Юнусхонов.

ПАЧКАЛИ Пачкаларга жойланган, пачкаланган. *Пачкали қалам. Пачкали печенье. Пачкали пул.*

ПАШМАК I [*ф.* پشمک – тола-тола шаклли ҳолва] Ёғда қовурилган ун ва қиёмдан тола-тола қилиб тайёрланган ва махсус ўлчовда кесилган маҳаллий ширинлик. *Баққоллар кичкина-кичкина дўкончаларида ярим кечага қадар савдо қиладилар. Пашмак, турли-туман.. ҳолвалар, писта-бодом, аччиқ-чучук мағизлар, новвотлар, парвардалар, отнон, хўрозқандлар сероб.* Ойбек, Болалик.

ПАШМАК II *бот.* Шўрадошлар оиласига мансуб, танаси қалин тола ва тангачалар билан қопланган бир йиллик ўсимлик.

ПАШМАЛОҚ **1** Бошқаларга нисбатан энг кейинги ўринда турган, ҳали кўзга кўринмаган, мавқеи, мартабаси паст; оддий. *Пашмалоқ савдогар.* ▬ *Мен энди.. мадрасада пашмалоқ махдумлардан бўлиб қолдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *кўчма* Оддий, жўн, шунчаки. *Тегирмончи: -Лекин сиз ҳануз пашмалоқ гапларни айтиб келгансиз!* – деди. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПАШША [*ф.* پشه – чивин] Ёзда жуда кўпайиб кетадиган, турли суюқ органик моддалар билан озиқланадиган қўш парда қанотли ҳашарот. *Йўл пашша. Пашшаларни қўримоқ. Қора пашша.* ▬ *Атрофда ғув-ғув пашша: оёқларга ёпишади, бурун катакларига суқилади, қулоқларни узади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамма ёқ жим. Фақат пашша ғинғиллайди.* А. Қаҳҳор, Бемор.

Ошга пашша бўлмоқ *айн.* **ошга пашша тушмоқ**. *Марзияникига борганимда доим ошга пашша бўладиганлар Душан билан Фозил эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **Ошга пашша тушмоқ** Бегона киши аралашиб, ишни бузмоқ, ишнинг белига тепмоқ. *-Эсизгина, энди гаплаша бошлаган эдик-а. Ошга пашша тушди,* – *деди Элмурод бошини чайқаб.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Пашша(ни) қўриб ўтирмоқ** Бекор вақт, кун ўтказмоқ, кунни бекорга ўтказмоқ. [*Бобоқул ота:*] *Ҳамма далага ёпишиб ётган бўлса-ю, мен идорада пашша қўриб ўтирсам келишмас.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Пашшадан фил ясамоқ** *ёки* **пашшани (***ёки* **пашшадай нарсани) фил қилмоқ** Арзимас нарсани ошириб юбормоқ, улғайтириб кўрсатмоқ, ҳаддан ташқари муболаға қилмоқ. *Уззукун пашшани фил қилиб, қаёқдаги гапларни чулғатиб юрдингиз, мана энди эл олдида юзингиз шувут.* А. Муҳиддин, Кўнгиллар.

ПАШШАЛАШМОҚ Атрофида айланиб, ёпишиб хиралик қилмоқ, майда-чуйда гап, ноўрин хатти-ҳаракатлар билан жонга тегмоқ. *Терганлари паллага келмайди-ю, яна биз билан пашшалашадилар.* «Аския». *Мудир ўртоғингиздан ҳам хафа бўлдим, тозаликка эътибор бериш ўрнига ошхонада ҳамма билан пашшалашиб ўтирибди.* «Аския».

ПАШШАХОНА [пашша + хона] Пашша ва чивин каби ҳашаротлардан сақланиш учун тутиладиган махсус чодир. *Пашшахонада ухламоқ.* ▬ *Сўнг кечқурун савдогар вазир келиб кирса, оқ пашшахона тутилган сўрида Қундузхон ётган эмиш.* «Фольклор». *Пашшахонага қамалиб олган искабтопар Иқболнинг юзини чақиб, уйғотиб юборган эди.* С. Абдулла. Иқбол.

ПАШШАХЎРДА [*ф.* پشه‌خورده – пашша еган, талаган; пашша чаққандан кейин узоқ тузалмайдиган яра, жароҳат] Бирор жойга тез-тез келиб турадиган, хира бўлиб ёпишиб оладиган одам. *Пашшахўрда бўлмоқ.* ▬ [*Уста:*] *Пашшахўрдаларни қувиб, полвоннинг жиловини тортиб қўясан.* О. Ёқубов, Ларза. *Карвонсаройларда нияти бузуқ, шубҳали одамлар ҳам пашшахўрда бўларди.* М. Осим,

Ўтрор. *Бу ялоқи, Гавҳарнинг атрофида бекорга пашшахўрда бўлаётгани йўқ.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАШШАҚЎНМАС Тиканакли, хушбўй йирик гулли бутасимон ўсимлик.

ПАҚ *тақл. с.* Портлаш, отилиш каби ҳолларда эшитиладиган кескин товуш. *Шар “пақ” этиб ёрилиб кетди.* ▬ *Милтиғидан “пақ” этган овоз чиққач, бир одам дарахтнинг катта томирига.. мункиб тушиб, қимирламай қолди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Хотини сут соғаётган пақирини пақ эткизиб ерга қўйди-да, даст ўрнидан турди, Карим акага қараб шанғиллаб кетди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ПАҚИЛЛАМОҚ “Пақ” этган товуш, овоз чиқармоқ. *Аллақачон ишратхона лиқ тўлган, эшикбон эшикка тамба урган эди. Орадан ҳаял-замон ўтмай, у ер-бу ердан шишаларнинг пақиллаб очилаётгани эшитила бошлади.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Йўлнинг ярмига борганда, мотор тумов бўлгандек бир-икки пақиллаб, машина тўхтаб қолди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Аввалига пақиллаган, кейин вишиллаган, сўнг қулт-қулт этган овоз чиқди.* С. Маҳкамов, Ёстиқ ичида игна.

ПАҚИР I Сув ва б. суюқликларни ташиш ва асраш учун ишлатиладиган, бандли, цилиндрсимон идиш; челак. *Афанди бир кун кечаси қудуқдан сув олгани пақир солган эди, сувда ойнинг аксини кўрди.* «Латифалар». *У [Азизбек] қопдаги какликларнинг тиригини товуқхонага қамаб, ўқ еганларини қопқоқли пақирга солиб, супага олиб чиқиб қўйди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПАҚИР II *эск.* Икки тийинлик чақа. *Сўзимга ишон, бошқа бир пақир ҳам пулим йўқ.* И. Акрам, Адолат. *Шундай хурсандликдан бир-икки марта бўлса, менинг ёнимда бир пақир ҳам қолмас экан.* «Латифалар».

Бир пақирга олмаслик Назар-писанд қилмаслик, баҳосини, қадр-қимматини ерга урмоқ. *Ҳафиза ўзини у ёқ-бу ёққа солиб, пинагини бузмай тура берди. У ҳатто бу аччиқ таъналарни эшитмагандай, эшитса ҳам, бир пақирга олмай, сур бўлиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. **Бир пақирга қиммат (*ёки* арзимайди)** Ҳеч нарсага арзимайди, жуда ёмон, паст, арзимас.

ПАҚПАҚ I Болаларнинг бир бўлак лойни пиёла шаклига келтириб, тўнтариб ерга уриб пақиллатиш ўйини. *Пақпақ ўйнамоқ.*

ПАҚПАҚ II Кўсакка ўхшаш, ичи бўш мевали кўп йиллик ўсимлик.

ПАҚҚОС *рвш.* **1** Бус-бутун, қолдиқсиз, қолдирмай; бутунлай, тамомила. *Эргаш чой дамлаб келганда, Азмиддин лагандаги ошнинг қолганини пақҳос тушириб, ёғини ҳам ялаб бўлган эди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Айтмоқчи, мен сизларни таништиришни пақҳос унутибман-ку. Уни қаранглар-а! Бу киши — Аълам ака бўладилар.* М. Мансуров, Ёмби. *Унинг ёнида бўлсанг, ўтмишингни пақҳос унутасан, соп бўлган одам эмаслигингни дарров пайқайсан.* А. Мухтор, Туғилиш.

ПАҒА 1 *эск.* Чархда ип йигириш учун тахтакачда пилталаб, юмалоқлаб қўйилган бир сиқим чигитсиз пахта, пахта пилтаси.

2 Пахта каби юмшоқ ёки тарқалувчан нарсаларнинг бир парчаси, уюми ёки тўдаси. *Пахта пағалари. Тутун пағаси.* ▬ *Даштнинг у ер-бу ерида.. қор пағалари ётар эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Тоғ томонидан кўтарилиб, қуёш бетини қоплаб турган бир пағa булут чўкканда, Тиктепа ерлари нур ичига чўмиб кўринади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Пағa бўлмоқ Жуда оқариб, рангсизланиб кетмоқ. *Холбўта бошини кўтарганда, Саидмурод ўқ узди. Қўрбошининг ранги пағa бўлиб кетди. Нариги томонда раҳбада чўзилиб ётишган Комил билан Ҳамид сапчиб туришди ва дарров нима гап-сўзлигини фаҳмлаб, Саидмуродга ташланишди.* «Ёшлик».

ПАҒАМОЛ *эск.* Чигитсиз пахтани ҳимариб, пилталаб юмалоқлаш учун ишлатиладиган қаламсимон асбоб; пилтакач.

ПАҒА-ПАҒА Тўда-тўда, парча-парча (пахта, булут, тутун кабилар ҳақида). *Пағa-пағa пахта. Пағa-пағa қор.* ▬ *Пағa-пағa тутунлар Кўтарилар мўридан.* С. Акбарий. *Қорамтир булутлар.. пағa-пағa бўлиб, тез сузиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ПАҲЛАВОН [*ф.* پهلوان — қаҳрамон, ботир] **1** Барваста ва забардаст; жисмоний бақувват, баҳодир. *Паҳлавон ўғлон.* ▬ *Аҳмаджон у ёқ-бу ёққа борса, ёнида паҳлавон оға-ини, вафодор ёр, садоқатли жўралар ҳамроҳ бўлиб юргандай, ҳеч кимдан ҳайиқмайди, кўнгли тўқ.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Ўзи ҳам худди шерга ўхшаган, чиройли паҳлавон йигит экан.* С. Исмоилзода, Темур.

2 Ботир, қаҳрамон. *Паҳлавон жангчи.* ▬ *Бугун яна Нилдан ўтган карвонлар, Девни йиққан паҳлавонлар сўзласин.* А. Шер. *Ривоятда айтилишича, шаҳарликлар паҳлавоннинг жасадини топиб, тантана билан дафн этишибди.* «Фан ва турмуш». *Йигит куйласин, жангда Чин паҳлавон бўлдим, деб.* Ҳ. Пўлат.

3 *кўчма* Забардаст, кучли. *Дўстларим, ҳайратда қолмангиз фақат, Паҳлавон асрга шу гаплар мосдир. Инсон боласига меҳр ила шафқат — Ҳаммага хос эди, бизга ҳам хосдир.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАҲЛАВОНЛАРДАЙ, =дек *айн.* **паҳлавонларча.** *Паҳлавонлардек улкан гавдали, айни куч-қувватга тўлган Усмонхўжага бир пиёла май ялагандек ҳам таъсир қилмас, кўпинча, лабларини алам билан чапиллатиб, қайтиб кетарди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ПАҲЛАВОНЛАРЧА *рвш.* Паҳлавонлар каби, паҳлавонлардек, паҳлавонларга ўхшаб.

ПАҲЛАВОНЛИК Ботирлик, қаҳрамонлик; бақувватлик. *Паҳлавонлик кўрсатмоқ.*

ПАҲЛАВОНСИФАТ Қомати, қуввати паҳлавонларга ўхшаш, паҳлавон гавдали. *Ияклари осилган бу паҳлавонсифат киши минбар зиналарига катта, қўпол оёқларини бир-бир босиб чиқаркан, товони зарбидан тахталар ғирчилларди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ПАҲПАҲЛАМОҚ *с. т.* Ҳаддан ташқари аямоқ, авайламоқ, ардоқламоқ. *Болани паҳпаҳлаб ўстирмоқ.*

ПЕДАГОГ [*юн.* paidagogos — тарбиячи] Педагогика мутахассиси; болалар ва ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш билан шуғулланувчи, шу соҳа бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган шахс, ўқитувчи. *Моҳир педагог. Мактаб педагоглари жамоаси.* ▬ *Ўз талабаларида география фанига алоҳида меҳр уйғота олган моҳир педагоглардан..* С. Аҳмад, Юлдуз. *Педагогнинг вазифаси юксак, мураккаб ва олийжанобдир.* «Фан ва турмуш».

ПЕДАГОГИК 1 Педагогга оид, хос. *Педагогик жамоа. Педагогик фаолият. Педагогик маҳорат. Педагогик амалиёт.*

2 Педагогикага оид. *Педагогик асарлар. Педагогик билимлар. Педагогик жараён.*

ПЕДАГОГИКА [*юн.* paidagogike < pais, paidos — бола + ago — етаклаб бораман, тарбия қиламан] **1** Тарбия, таълим ҳамда маълумот беришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи фанлар мажмуи. *Бўлғуси педагоглар практика жараёнида педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари устида иш олиб борадилар.* «Фан ва турмуш».

2 Айни шу соҳа (мутахассислик) бўйича ўқув фани.

ПЕДАГОГЛИК Педагогнинг вазифаси, иши, фаолияти; ўқитувчилик, мураббийлик. *Педагоглик қилмоқ.* ▬ *Боланинг раъйини — кўнглини синдирган, тушунмаган одамга педагоглик касби хайфдир.* Газетадан.

ПЕДАЛЬ [*фр.* pedale < *лот.* pes, pedis — оёқ] Машина, велосипед, дастгоҳ ва баъзи мусиқа асбобларининг оёқ билан ҳаракатга келтириладиган ричаги, тепкиси. *Велосипед педали. Пианино педали.* ▬ *У [Мирвали] газ педалини охиригача босди. Машина гўё ҳавога кўтарилиш олдидан тезлик олаётган самолётга ўхшарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПЕДАНТ [*фр.* pedant < *итал.* pedante — педагог, ўқитувчи] Расмиятга, амалдаги тартиб ва қоидаларга изчил риоя қилувчи, ўтакетган синчков киши. *[Усмонов]: Инсон зоти табиатан педант ва консерватор бўлади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ПЕДАНТИЗМ *айн. қ.* **педантлик**.

ПЕДАНТЛИК Расмиятга, амалдаги тартиб ва қоидаларга ёпишиб олиш, ўтакетган синчковлик, расмиятчилик.

ПЕДИАТР Педиатрия мутахассиси, болалар врачи.

ПЕДИАТРИЯ [*юн.* pais, paidos — бола + iatreia — даволаш] Тиббиётнинг болалар анатомияси, физиологияси, патологияси ҳамда касалликлари ва уларни даволаш усулларини ўрганувчи бўлими.

ПЕДИКЮР [*фр.* pedicure < *лот.* pes, pedis — оёқ + curare — парвариш қилмоқ] Оёқ бармоқларини махсус парвариш қилиш.

ПЕДОЛОГ Педология мутахассиси, педология соҳасидаги олим. *Машҳур педолог олимларнинг асарлари ва фаолиятлари оппонентлар томонидан кескин танқид қилинди.* Газетадан.

ПЕДОЛОГИЯ [юн. pais, paidos — бола + logos — фан, таълимот] Бола ривожланишига нисбатан психологик, биологик, ижтимоий (социологик) қарашлар мажмуи; болалар ҳақидаги фан (19-аср охирида АҚШ

ва Ғарбий Европада пайдо бўлган). *Шахс ва жамият ҳақидаги фанлардан социология, генетика, педология каби фанларни ўқитиш тақиқлаб қўйилди.* Газетадан.

ПЕЙЖЕР [*ингл.* pager] Кодланган хабарни матнли, рақамли, овозли ахборотга айлантириб, махсус сигналлар ёрдамида узоқ масофага узатувчи қурилма. *Сенга пейжер орқали хабар бераман.*

ПЕЙЖИНГ [*ингл.* paging] Пейжер воситасида алоқа қилиш усули.

ПЕЙЗАЖ [*фр.* paysage < pays – жой, макон] **1** Бирор жойнинг кўзга ташланиб турган умумий кўриниши; манзара. *Ўрмон пейзажи. Тоғ пейзажи.*

2 Тасвирий санъатнинг табиат манзараларини тасвирлаш билан шуғулланадиган тури; табиат манзараси тасвирланган сурат.

3 Адабий асарда манзара тасвири, табиат манзараси, табиат лавҳалари. *Ҳамид Олимжон бу шеърида Ўзбекистоннинг пейзажини яратишда моҳир бир санъаткор сифатида гавдаланади.* «Ватан адабиёти».

ПЕЙЗАЖЧИ Пейзаж чизадиган рассом. *У [Ўрол Тансиқбоев] ҳаваскорликдан Ўзбекистоннинг кўзга кўринган пейзажчи рассоми бўлиб етишгунга қадар катта меҳнат ва ижодий изланиш йўлини босиб ўтди.* Газетадан.

ПЕЛЛАГРА [*итал.* pelle agra – дағал, ғадир-будур тери] *тиб.* Организмда айрим витаминларнинг етишмаслигидан келиб чиқадиган, терининг, ошқозон-ичак йўлининг зарарланиши ва руҳий хасталиклар билан кечадиган касаллик.

ПЕМЗА [*ингл.* pumice < *лот.* pumex – ғовак тош, кўпик] *махс.* Ғовак, жуда енгил, кулранг вулканик жинс (асосан қурилиш саноатида ишлатилади).

ПЕНАЛ [*нем.* Pennal < *лот.* penne – перо; пат] Ручка, қалам, резина солиб қўйиладиган чўзинчоқ қутича, ғилоф.

ПЕНАЛЬТИ [*итал.* penalty – жазо(лаш), жарима] *спрт.* Айрим спорт ўйинларида жарима майдончасида қоидани бузганлиги учун рақиб дарвозаси томон белгиланадиган ва йўналтириладиган жарима зарбаси (тўпи); мас., футболда – 11 метрли, тўпли хоккейда – 12 метрли масофадан зарба берилади.

ПЕНИЦИЛЛИН [*лот.* Penicillium – замбуруғларнинг бир тури < penicillum – панжа; попук, шокила] Кимёвий тузилиши бир-бирига яқин, тиббиёт амалиётида кенг қўлланадиган табиий ва ярим синтетик антибиотиклар гуруҳи. *Пенициллиндан укол қилмоқ*

ПЕНСИОНЕР [*фр.* pensionnaire < *лот.* pensio, pensionis – тўлов] Пенсия олувчи киши. *Мен 72 ёшдаман, пенсионерман. Лекин, уч ой бўлди, яна заводга ишга қайтдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПЕНСИЯ [*лот.* pensio – тўлов; тўлов муддати] Қариган, меҳнат қобилиятини йўқотган, узоқ йил хизмат қилган, боқувчисидан жудо бўлган кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида уларга давлат томонидан доимий бериб бориладиган пул; нафақа. *Пенсия олмоқ. Пенсияга чиқмоқ.* ▬ *Пенсияга чиқаман деб турганимда, уруш бошланиб қолди.* С. Зуннунова, Олов. *Сен уни бекорга олиб кетмайсан, унинг ўзидан кўра пенсияси керак сенга, билдингми?* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПЕНТАГОН [*юн.* pentagonon < penta – беш + gonia – бурчак] **1** *мат.* Беш бурчакли геометрик жисм; бешбурчак.

2 (П – *катта*) АҚШнинг ҳарбий вазирлиги жойлашган, Вашингтондан унча узоқда бўлмаган беш бурчакли бино; АҚШнинг ҳарбий маҳкамаси.

ПЕНТАГРАММА [*юн.* penta – беш + gramma – ҳарф; ёзув] *мат.* Ҳар бир томонига бир хил тенг ёнли учбурчаклар ясалган мунтазам бешбурчак.

ПЕНЯ [*лот.* poena – жазо] *эск.* Пул-тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик учун тўланадиган жарима. *..бир қатор ташкилотлар ўзлари билан тузилган шартнома суммасининг қарийб 100 миллион сўмини ўзлаштирганлиги учун, энди кечиккан ҳар бир кун учун пеня тўлашга мажбур.* Газетадан. *Суд, муддати ўтказиб юборилгани учун, ҳар кун ҳисобига 0,4 фоиздан пеня тўлаш лозимлиги ҳақида қарор чиқарди.* Газетадан.

ПЕПСИ-КОЛА [*ингл.* Pepsi-Cola < *юн.* pepsis – овқат ҳазм қилиш + *лот.* Cola – Африка тропик ўрмонларида ўсадиган доим яшил дарахтларнинг бир тури] Қувватни ошириб тетиклантирувчи, газланган муздай ичимлик.

ПЕРГАМЕНТ [*юн.* pergamenos < Pergamon (Пергам) – Кичик Осиёда айни шу материал кенг қўлланган шаҳар номи] **1**

Қоғоз ихтиро қилингунга қадар махсус йўл билан тайёрланган ва қоғоз ўрнида ишлатилган ҳайвон териси; тери қоғоз.

2 Шундай терига ёзилган қадимги қўлёзма.

3 Сув ва мой ўтказмайдиган пишиқ юпқа шаффоф қоғоз.

ПЕРЕВОД [*р.* переводить – «юбормоқ, жўнатмоқ, ўтказмоқ» фл. дан суффикссиз ҳосил қилинган от] *эск.* Почта ёки телеграф орқали пул юбориш ҳамда шу йўл билан юборилган ёки олинган пул. *Перевод қилмоқ.*

ПЕРИ- [*юн.* peri – атрофида, яқинида; юқорироқ, баландроқ, ҳаддан ташқари] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсага яқинликни, қўшниликни, атрофида ёки олдида, яқинида жойлашганликни билдиради (мас., *перикардит*).

ПЕРИГЕЙ [пери.. + *юн.* ge – ер] *астр.* Ер атрофида орбита бўйлаб айланувчи жисмларнинг, ой ёки сунъий йўлдошнинг ерга энг яқин нуқтаси; *зид.* **апогей.**

ПЕРИКАРД [пери.. + *юн.* kardia – юрак] Юракни сиртдан ўраб турадиган халтасимон қобиқ.

ПЕРИКАРДИТ [перикард + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] Перикарднинг яллиғланиши.

ПЕРИМЕТР [*юн.* perimetron – айлана, доира < perimetreo – атрофни ўлчайман] *мат.* Ёпиқ эгри чизиқнинг узунлиги (мас., кўпбурчакнинг периметри унинг ҳамма томонлари йиғиндисига тенг).

ПЕРИСКОП [пери.. + *юн.* skopeo – қарайман, кузатаман] *махс.* Бевосита кузатиш мумкин бўлмаган берк, пана жойлардан (мас., бронетранспортёр, сувости кемаси ва ш.к. дан) кузатиш имконини берувчи оптик асбоб.

ПЕРИТОНИТ [*юн.* peritonaion – қорин пардаси + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Қорин пардасининг яллиғланиши.

ПЕРКУССИЯ [*лот.* percussio – тўқиллатиш] *тиб.* Беморнинг ички аъзоларидаги касалликни бадан устидан махсус болғача ёки бармоқлар билан уришдан ҳосил бўладиган товушга қараб аниқлашдан иборат тиббий-физик усул.

ПЕРО [*р.* перо – пат, қанот] *эск.* Сиёҳ, тушь ва ш.к. билан ёзиш учун ручка учига ўрнатиб ишлатиладиган ёзув-чизув асбоби. *Пўлат перо. Чизмакашлик пероси. Перо билан ёзмоқ.* ■ *Перони сиёҳдонга ботириб, ёза бошлади.* «Шарқ юлдузи».

ПЕРПЕНДИКУЛЯР I [*лот.* perpendiculum – шоқул; тик тушган чизиқ] *мат.* Бирор тўғри чизиқ ёки текислик билан тўғри бурчак ҳосил қилувчи чизиқ. *Текисликка перпендикуляр туширмоқ.*

ПЕРПЕНДИКУЛЯР II [*лот.* perpendicularis – шоқулий, тик тушган] Тик, шоқул. *Перпендикуляр чизиқ. Ўзаро перпендикуляр текисликлар.*

ПЕРРОН [*фр.* perron] Темир йўл станциясида: поезд келиб тўхтайдиган ва жўнайдиган майдонча, поезд кутувчи йўловчилар ёки кузатувчилар турадиган платформа. *Поезд келишидан хабар топган пассажирлар бирин-кетин перронга чиқа бошлашди.* Ў. Ҳошимов, Пўлат изларда. *Қизнинг назарида, она перронда ҳамон рўмол силкиб тургандек эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Энг охирида қаддини ғоз тутган Оқсоқол «пўштпўштлаб», перрон томон юрди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПЕРСОНА [*лот.* persona – шахс, кимса, зот]: **персона грата** [*лот.* persona grata – матлуб шахс] 1) *ҳуқ., сиёс.* муайян давлатга дипломатик вакиллик номзоди шу давлат ҳукумати томонидан маъқулланган киши; 2**)** *кўчма* хайрихоҳлик билан қараладиган одам. **Персона нон грата** [*лот.* persona non grata – номатлуб шахс] 1) *ҳуқ., сиёс.* Бирор давлатга дипломатик вакил этиб тайинланишига ўша давлат ҳукумати томонидан розилик берилмаган ёки ишончни йўқотган ва чақириб олиниши лозим бўлган дипломатик вакил; 2) *кўчма* хайрихоҳлик билан қаралмайдиган киши.

ПЕРСОНАЖ [*лот.* persona – шахс] Санъат ва бадиий адабиётда (ҳикоя, роман, пьеса, кинофильм кабиларда) муаллиф томонидан тасвир этилган ҳар бир шахс. *А. Қаҳҳор асарларидаги персонажлар. Пьеса персонажлари.* ■ *Учала персонажнинг нигоҳи уч томонга қадалган.* «Ёшлик».

ПЕРСОНАЛ [*лот.* personalis – шахсий] Корхона, муассаса ходимлари ёки уларнинг ихтисосига кўра бир гуруҳи. *Театр персонали. Ўқитувчилар персонали. Маъмурий персонал.*

ПЕРСПЕКТИВ *эск.* Келгусида қилинадиган ишларга доир, келгусидаги тараққи-

ётни кўзда тутувчи; истиқболдаги. *Перспектив режа.*

ПЕРСПЕКТИВА [*фр.* perspective < *лот.* perspicere – ич-ичидан кўрмоқ, синчиклаб қарамоқ] *эск.* **1** Келажакдан кутилган ёки келажакда амалга оширилиши кўзда тутилган мақсад, ният, режа. *Тараққиёт перспективаси.*

2 *геом.* Нарсанинг, у текисликда кузатувчидан, кузатиш нуқтасидан узоқлик даражасига кўра ҳақиқатда қандай кўринса, худди шундай тасаввур берадиган тасвири.

3 Геометриянинг шундай тасвирлар ясаш қоидалари ҳақидаги бўлими.

ПЕРСПЕКТИВАЛИ *эск.* Келажаги бор, бўлган, истиқболли. *Перспективали ходим. Перспективали ишлар.*

ПЕРСПЕКТИВАСИЗ Истиқболи номаълум, аниқ режаси бўлмаган. *Перспективасиз иш.*

ПЕС [*ф.* پیس – ифлос, иркит; теридаги оқ доғ; мохов] **1** *тиб.* Пигмент етишмаслиги натижасида терида пайдо бўладиган оқ доғ. *-Қуймучида тангадек песи бор.. -Пес эмас. Яранинг ўрни эди-ку.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шундай касали бўлган киши. [*Мозордаги*] *Қудуқнинг суви фақат касалларнинг, айниқса пес ва кўзи оғриганларнинг шифоланишларига ва зиёратчиларнинг "табаррук" деб олиб боришларига сарф қилинар эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

3 *сўк.* Ярамас, мохов. *Пес песни қоронғида топар.* Мақол. ▬ [*Нор:*] *Паранжиси қурсин, қайданам шу песни ёпиниб, суқмозорга бордим-у, ўзимга дардисарни орттирдим-келдим.* Ҳамза, Паранжи сирлари. [*Йўлчи:*] *Гулнорни севишимни биларди-я, пес чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *Совчи қўйдим, бермади. Отанг қурғур пес экан.* «Фольклор».

ПЕСЕТА [*исп.* peseta < peso – вазн, бўлак] Испаниянинг асосий пул бирлиги.

ПЕСЛИК Разиллик, пасткашлик. *Сени одам дедим, ўғлим тойладим, Ишониб, ўзингга шогирд айладим, Болани ёнингга олиб, баччағар, Қанча шумлик, песликларни ўйладинг.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ПЕСО [*исп.* peso – вазн, бўлак] Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида ҳамда Филиппинда асосий пул бирлиги.

ПЕССИМИЗМ [*лот.* pessimus – энг ёмон] Келажакка ишончсизлик, умидсизлик билан қараш, ҳар бир нарсанинг ёмон томонини кўришга мойиллик, руҳий тушкунлик.

ПЕССИМИСТ Руҳий тушкунликка юз тутган, ҳаётга, келажакка умидсизлик билан қарайдиган киши.

ПЕССИМИСТИК Пессимизм руҳи билан суғорилган. *Пессимистик кайфият. Пессимистик характердаги асар.* ▬ *Гарчи Фурқат лирикасида ҳасрат, қайғу, дард мотивлари катта ўрин тутса ҳам, бу мотивлар сира пессимистик моҳиятга эга эмас.* М. Шайхзода, Фурқатнинг бадиий маҳоратига доир.

ПЕССИМИСТЛИК 1 Пессимистларга хос хулқ-атвор, кайфият.

2 *қ.* **пессимизм.**

ПЕСТИЦИДЛАР [*лот.* pestis – юқумли касал, мараз + caedere – ўлдирмоқ] Ўсимлик ва ҳайвонларнинг касаллик ҳамда зараркунандаларига, бегона ўтларга қарши курашда фойдаланиладиган кимёвий моддалар. *Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди.* Газетадан.

ПЕТИТ [*фр.* petit – майда, кичик] *плгрф.* Майда босма ҳарфлар.

ПЕТИЦИЯ [*лот.* petitio – даъво қилиш, шикоят, ариза] *эск.* Олий давлат органига ёки ҳукумат бошлиғига кўпчилик томонидан биргаликда берилган расмий ёзма ариза, илтимоснома.

ПЕТЛИЦА [*р.* петлица < петля – илмоқ, сиртмоқ, ҳалқа] Формали кийим ёқасига чатиладиган, хизмат тури ёки даража, унвонни кўрсатадиган рангли тўртбурчак мато. *Темирйўлчилар петлицаси.* ▬ *Курсантлар.. чемодан, одеколон, тароқ, устара, топилса – командир петлицаси харид қилар эдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ПЕТРОГРАФ Петрография олими, мутахассиси.

ПЕТРОГРАФИК Петрографияга оид. *Петрографик қидирув ишлари.*

ПЕТРОГРАФИЯ [*юн.* petra – тош, қоя + grapho – ёзаман] *геог.* Геологиянинг тоғ жинсларини, уларнинг минерал ва кимёвий таркибини, тузилишини, Ернинг қаттиқ қатламлари ва устки қисмида тарқалиш ва келиб чиқиш қонуниятларини ўрганувчи тармоғи.

ПЕТРУШКА [< *лот.* Petroselinum < *юн.* petroselinon – тоғ сельдерейи] Соябонгулдошлар (соябонгуллилар оиласи)га мансуб бир ёки икки йиллик, кашничсимон ўсимлик. *Петрушка барги кўринишдан кашничга ўхшаса-да, ҳиди ва мазаси ўзига хос дағалроқ.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПЕЧ [*ф.* پیچ – қийшиқлик, эгрилик; қат, бурма; ҳалқа; жингалак, гажак] Бошга ўралган салланинг чеккадан осилтириб қўйилган қисми, учи. *Узун печи осилган катта саллали бошини чайқади.* Ойбек, Навоий. *..Худди фуқаҳо, яъни қонуншунослардек салласи печини томоғининг тагидан ўтказиб, ўнг елкасига ташлади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ПЕЧАК I [*ф.* پیچک – чирмашиб ўсадиган ўт; чирмовуқ] Ўсимлик танасига ва б. нарсаларга чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик; чирмовуқ. [*Навоий:*] *Гулимнинг қабрига эккан чечаклар очилгандур бу чоқ.. оҳим печаклар Каби кўк тоқига чирмашмасинму?!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ярим халта печак юлиб келди.* Ш. Холмирзаев. Оғир тош кўчса.

ПЕЧАК II [*ф.* پیچک – ўрам, копток; ғалтак]: **печак ҳандалак** Ҳандалакнинг пўсти қўнғир-сарғиш тусли майдароқ бир тури. *Асад қори олдида турган печак косасини олдига тортиб, ундан бир тилимини олди-да, оғзини катта очиб, тиқиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПЕЧАКГУЛ [печак + гул] Карнайгуллилар оиласига мансуб, чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик ва унинг гули; карнайгул. *Марказий кўчадаги уйларнинг деразаларида оқ пардалар ҳилпирайди, деворларига печакгуллар тирмашиб ётибди.* И. Раҳим, Тақдир.

ПЕЧАН Ишни, гапни ўринлатадиган; уста, чечан. *Ишга печан.* ▬ *Мулла Аъзам ҳамма каллар сингари гапга печан, қочириқ гапларни гапириб.. пешқадамларни ҳам кулдирар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ПЕЧАНЛИК Ишни, гапни уддалашлик, усталик, чечанлик. *Раис, ундан шундай иш чиқишини, Абдулла индамасхоннинг гапга шунақанги печанлигини билмаган эди.* Т. Пўлат, Хижолат.

ПЕЧАТЛАМОҚ **1** *қ.* **муҳрламоқ 1.** *Ҳужжатни печатламоқ.*

2 *қ.* **муҳрламоқ 2.** *Эшикларни печатлаб қўймоқ.* ▬ *-Адо бўлдим, ака. Уйим куйди. Орган дўконни печатлаб кетди, – деди Тўйчи.* А. Кўчимов, Халқа.

ПЕЧАТЬ [*р.* печать < *қад. р.* пеку – куйдириб белги (тамға) қўйиш асбоби] **1** *қ.* **муҳр 1**. *Идора печати. Конверт устига печать босмоқ.* ▬ *-Столнинг тортмасини қидиравериб, илма-тешик қилиб юбордим, печать йўқ, – деди Мирашир.* О. Толибов, Анқов.

2 Шундай тамғанинг қоғозга ёки бошқа нарсага босиб туширилган акси, изи. *Маълумотноманинг печати хира экан, ўқиб бўлмади.*

3 Фойдаланишни тақиқлаш ёки бошқалар очмаслиги учун қўйилган ёки урилган тамға, сурғуч. *Бойлар бой бўлиб, илмсиз яшаб, Ориқларни семизи ошаб, Олти кун ўтмай ҳовлида печать, Ҳаж кетар хотинболани ташаб.* Ҳамза.

ПЕЧЕНЬЕ [*р.* печь – «оловда пиширмоқ, ёпмоқ» фл. дан ҳосил қилинган от] Кўпинча ширин хамирдан кичик тўгарак, тўртбурчак ва б. шаклларда ўтда, ўт тафтида пиширилган егулик. *Ширин печенье. Печенье билан чой ичмоқ.* ▬ *Уй бекаси ўзининг асл руҳига кирди, жангчиларни қиём ва печенье билан меҳмон қилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ПЕЧКА [*р.* печь – «қизитмоқ, қиздирмоқ» фл. дан ҳосил қилинган от] Бино ва хоналарни иситиш ёки овқат пишириш учун ишланган қурилма. *Тунука печка. Ғишт печка. Голландча печка. Газ печкаси.* ▬ *Адолат уйига келганда, печкага ўт қалаётган аясини кўрди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Аҳмад бригадир ўрнидан туриб, печкага тараша ташлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ПЕЧКАЧИ Печка қуриш ва таъмирлаш иши билан шуғулланувчи киши. *Ҳозирда печкачиларга ҳам талаб камайиб кетди.* ▬ *Ҳайратдан ёқа ушладик: печкачи одамнинг бир думалаб туриб, табиб бўлиб қолишига сабаб нима?* «Муштум».

ПЕЧЬ **1** *айн.* **печка**. *Нурлавой деб аталадиган ушбу сарой кенг, баланд заллари, баланд ойнабанд деразалари, рус печлари, махсус истироҳат хоналари билан маҳлиё этарди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Материалларни қиздириш, эритиш ёки уларга ишлов бериш учун қурилган махсус иншоот. *Тоблаш печи. Темир эритиладиган печь.* ▬ *Цехда ҳозироқ ойна пиширадиган печь қурилмоқда.* Газетадан.

Домна печи *айн.* **домна. Мартен печи** *қ.* **мартен.**

ПЕШ I [*ф.* پیش – олди, олд томон; олдинда, яқинида; аввали] **1** Баъзи нарсаларнинг олдинга қараган томони, лаби, чети, қирғоғи. *Айвоннинг пеши.* ▬ *-Аяжон, айёмингиз муборак! – деб совға-саломни айвоннинг пешига қўйди-да, онасига кифтини тутди.* К. Яшин, Ҳамза. *У қопидан кетмонини олиб, пешини эговлай бошлади.* «Шарқ юлдузи».

2 Кийимнинг олд этаги, бари. *Камзулингнинг пешини боссам, гард бўлар, Ошиқлик деганинг қийин дард бўлар.* «Қўшиқлар». *Арғуншоҳ тиз чўкиб, подшоҳнинг этакларини юзига суртмоқчи бўлганди, Шоҳрух унинг қўлидан пешини тортиб олди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек. *Енглари шимарилган Комилжон, этагининг пешини қайириб олган Давронов энг олдинда борарди.* И. Раҳим, Ихлос.

Пеш келтирмоқ Далил қилиб кўрсатмоқ, исбот сифатида фойдаланмоқ. *-Агроном илми ҳам, ер ҳайдасанг – куз ҳайда, куз ҳайдамасанг – юз ҳайда, дейди, – деди халқ мақолини пеш келтириб Сотиболди ота.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. **Пеш қилмоқ** Мақтаниб гапирмоқ, дастак қилмоқ, рўкач қилмоқ. *Ўз хизматларини пеш қилмоқ.* ▬ *Халққа туҳмат қилманг. Сиз меҳнаткаш халққа нима каромат кўрсата қолдингизки, унга дўстлигингизни пеш қиласиз?* К. Яшин, Ҳамза. *Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин, Алишер қаламни кўрсатган, холос.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ПЕШ II [*ф.* پیش – олдинда; ёнида, яқинида] *рвш. (бирин-кетин содир бўладиган иш-ҳаракатни билдирувчи икки феъл олдида такрорланганда)* Фурсат ўтмасдан, дарров, дарҳол, пешма-пеш. *Пеш терилган пахтани пеш топшириб турмоқ.* ▬ *[Иқбол сатанг] Ҳовли саҳнини кўздан кечирди. Ҳамма ёқ чиннидек. Шунча дарахт-у, тагида битта барг кўринмайди. «Пеш тушганини пеш олиб турадими дейман, – ўйлай кетди у, – қачон қарасанг, [Меҳринисонинг] ҳовлиси ёғ томса ялагудек».* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Эгнингиздан пеш тушган кийимни пеш ювиб турган бўлсак..* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПЕША [*ф.* پیشه – машғулот, касб, ихтисос] *эск. кт.* **1** Иш, машғулот; касб, ҳунар. *Хоннинг ўғли, деб қилманглар андиша, Тўққиз ёшда қилди шу ишни пеша.* «Эрали ва Шерали». *Бировнинг қўлида арра, тешаси, Васса ясаш – қадим иши-пешаси.* Н. Назруллаев, Сайланма. *Эл дерки: нодон дўст – бошингга жафо, Қора кунда чин дўст – пешаси вафо!* Миртемир.

2 *қ.* **пешвоз**. *Дарахтни ҳамиша ўрайди шамол, Шоирни ташвишлар чулғар ҳамиша. Сен шоир умрини дема безавол – Унинг ҳар онлари ташвишга пеша.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПЕШАЙВОН [*ф.* + *а.* پیش‌ایوان – хона олдидаги айвон] Иморат ва хоналарнинг олдига тақаб қуриладиган айвон. *Умид кичкинагина чамадонни кўтариб, ичкарига кирди. Пешайвонга кўтарилиб, зал уйга кўз ташлади: узун стол устига оқ дастурхон ёзилиб, зиёфат нозу неъматлари уйиб ташланган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПЕШАЙВОНЛИ Пешайвони бўлган, пешайвон солинган. *Пешайвонли сариқ бино олдидан ўтаётганимизда, бир боғлам сирень кўтарган кичкина бир қизча бизга қўл силтаб қўйди.* Ў. Умарбеков, Баҳор.

ПЕШАНА *с.т. айн.* **пешона**. *Қўчқор бўлар қўзининг пешанаси дўнг бўлур, Оға бўлар йигитнинг пешанаси кенг бўлур.* Мақол. ▬*-Кечиринг, Гавҳар, – у нима дейишини билмай, пешанасига тушиб турган сарғиш сочларини тутамлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПЕШАНАБОҒ *с.т. айн.* **пешонабоғ**. *Пешанабоғ бошида, Доим меҳнат қошида. Ғайратли бу чечан қиз Энди ўн беш ёшида.* «Қўшиқлар».

ПЕШБАНД I [*ф.* پیش‌بند – олд томонга боғланадиган мато; фартук] *эск. айн.* **фартук.** *Холиса газўчоққа товуқларни димлаб қўйган. Белига пешбанд боғлаб, турли хил таомлар пиширяпти.* С. Нуров, Нарвон. *Шавкатнинг дадаси эркак киши бўлсаям, ҳар куни пешбанд тутиб, овқат пиширади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ПЕШБАНД II [*ф.* پیش‌بند – олд томони боғланган; олд томонга боғланадиган мато; фартук]: **пешбанд қилмоқ** *эск.* Қўлини олдига қилиб боғламоқ. *Бошқа бандиларнинг қўллари ҳам пешбанд қилингандан кейин, уларни миршабхона дарвозасидан ташқарига – кўчага чиқардилар.* С. Айний, Қуллар.

ПЕШБУРУН *бнк.* Эшик ёки деразa табақаларининг бириккан жойидаги тир-

қишни беркитиш учун ёнига ёки ёғин сувидан сақлаш учун тепасига қоқиладиган энсиз тахтача. *Дераза пешбуруни.* ▬ [*Санамнинг*] *Дарвоза пешбурунидан осилиб тушган сумалакка кўзи тушди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ПЕШВО [*ф.* پیشوا – раҳнамо; раҳбар, устоз] *кт.* **1** Маълум бир соҳа ёки ишда етакчи, илғор киши. *У барча мавжуд илмларни эгаллаб, замона олимларининг пешвоси.. бўлишга тиришади.* Ойбек, Навоий. *Холқўзи Худоёров Зумратнинг синфдоши эди.. Синфдаги қизлар ичида энг сулуви Зумрат бўлса, ўғил болаларнинг пешвоси Холқўзи эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Шариат пешволари Динни, шариат қонун-қоидаларини ҳимоя қилувчи руҳонийлар, уламо-ҳукамолар. *Саройда барча: шариат пешволаридан тортиб то кичкина амалдоргача шоирлик даъво қиларди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Секин-секин гап-сўзлар аъёни мамлакат, шариат пешволари, уламо-фузалога етиб, эшонойимнинг бу ҳаракатларини айни муддао деб топдилар.* Ў. Усмонов, Сайланма.

2 Йўлбошчи, доҳий. *Халқ пешвоси.*

ПЕШВОЗ [*ф.* پیشواز – учрашув; кутиб олиш]: **пешвоз турмоқ** Туриб қарши олмоқ, кутмоқ; юзма-юз турмоқ. *Совчиларнинг қадами тинди. Қиз тенгилар кўришди рўзғор, Унга пешвоз турарди энди Ўн тўққиз ёш, ўн тўққиз баҳор.* О. Ҳожиева, Ҳаётга таъзим. *Раҳмонқулов кириши билан Элчибек бошқаларга жавоб берди, жилмайиб пешвоз турди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Пешвоз чиқмоқ** Истиқболига, йўлига чиқиб қарши олмоқ, истиқболига чиқмоқ. *Бино панасидаги темир ўчоқда овқат пишираётган малла чойхоначи бир қўлида капгир билан югургилаб, уларга пешвоз чиқди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Олма гулли кўйлак кийган жувон даҳлизда меҳмонга пешвоз чиқиб, салом берди.* «Ёшлик». *Ҳовлимизга яқин қолганда, беш-олти хотин олдинда бораётган қўқон аравага пешвоз чиқди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. **Пешвоз юрмоқ** *айн.* **пешвоз чиқмоқ**. *Эмин уни кўриб, пешвоз юрди. Эсонбойнинг ичкарига кириш тараддуди йўқлигини сезиб, унга саволомуз қаради.* «Ёшлик».

ПЕШВОЗЛИК: пешвозлик қилмоқ Биринчи бўлиб гапирмоқ, гап бошламоқ.

ПЕШГИР [*ф.* پیشگیر – олдини олувчи, огоҳлантирувчи; пешбанд, фартук] **1** *эск. айн.* **фартук.** *Озиқ-овқат магазинларига бориб келган Холиса белига пешгир тутиб, эри ёқтирадиган таом тайёрлашга киришди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Зоҳид бир чеккада бош ирғаб ўтирди. Эшикдан пешгир бойлаган бир аёл бош суқди-ю, ош сузарга рухсат сўради.* М. М. Дўст. Лолазор.

2 *махс.* Темирчи ва б. металлсозлар иш вақтида тутиб оладиган чарм фартук, пешбанд.

ПЕШДОР [*ф.* پیشدار – олдинда борувчи, илғор] *эск. ҳарб.* Қўшин олдида борувчи, илғор; авангард. *Ислим барлос.. катта сувори тўданинг бошида чанг кўтариб, пешдор аскар сифатида илдам йўлга тушди.* Ойбек, Навоий. *..Сардор Хунхоршоҳнинг буйруғи билан ўн минг аскарни олиб, ўзидан олдин бир чўлоқ саркардасини минг аскари билан пешдор қилиб жўнатиб юборди.* «Авазхон».

ПЕШИН [*ф.* پیشین – аввалги, олдинги, дастлабки, қадимги; куннинг ярми] **1** Куннинг ярми ўтган пайт. *Жаҳонгир яшаган қишлоққа эртаси кун пешинга етиб боришди.* «Шарқ юлдузи». *..яна Яхшибоев иккимиз ёлғиз қолдик. Вақт пешинга оғиб борарди. Узоқда тоғлар қорайиб кўринади.* М. М. Дўст, Лолазор.

Охир (*ёки* **кеч) пешин** Куннинг ярмидан кўпи ўтган, кечки пайт. -*Вақт охир пешин бўлиб қолган эди. Қорним очган.. – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *дин.* Кун ярмида ўқиладиган намоз. *Пешинни ўқимоқ.* ▬ -*Ўзимиз ҳам тамадди қилиб олайлик, – деди Махсум пешин намозига ҳозирлик кўраётиб.* С. Анорбоев, Оқсой. *Уч дўст, пешин қазоси ўтгунча, Иноқий мадрасасининг бир кунжагида бекиниб ўтирдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хўжа Хизр ҳар куни пешин намозини Бухородаги Мағоки Аттори масжидида ўқир экан.* Газетадан.

ПЕШИНЛИК Пешинда ейиладиган овқат, тушлик. *Бу камбағаллар овқати бўлиб, уларнинг тушлиги ҳам, пешинлиги ҳам шу эди. Ўрик билан зоғорани иштаҳа билан едилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигитали, пешинликка деб онаси қилган овқатдан озгина еган бўлди-да, кўчага чиқиб, гузар тарафга йўналди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ПЕШКАШ [*ф.* پیشکش – кичикларнинг катталарга совғаси, туҳфаси] *эск. кт.* Ҳадя тарзида бериладиган нарса; тортиқ, совға. *Подшоҳ чодирига йиғилган уламо, фузало ва лашкарбошилар Соҳибқиронни янги туғилган меҳмон билан қутладилар, ҳар ким ҳолига яраша пешкашлар қилди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек. *Келсанг, ўзинг келмай, ёринг билан кел. Дилкашларнинг қўлида торинг билан кел. Кел, сенга даламиз, лоламиз пешкаш, Гиёҳлар ичида аъломиз пешкаш.* Т. Сулаймон.

ПЕШЛАВҲА [*ф. + а.* پیشلوحه – олд томонга осиладиган лавҳ(а)] Корхона, идора, муассаса, ўқув юрти кабилар ҳақида қисқа, ихчам, аниқ маълумот ёзилган ва шуларнинг кираверишида кўринарли жойга ўрнатиладиган махсус тахтача. *Ҳозирда шаҳримизда жуда кўплаб пешлавҳалар янги қабул қилинган лотин алифбосида ёзилмоқда.* Газетадан. *Лойиҳанинг ушбу бандида муайян биноларга ўрнатилган пешлавҳаларнинг ҳам, гарча реклама ҳисобланмаса-да, маълум бир талаблар асосида ёзилиши белгилаб қўйилса..* Газетадан. *Ўша йиллари идоралар ва турли ташкилотларда пешлавҳалар ўзгараётган эди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПЕШЛАМОҚ Теша, кетмон каби асбобларни болғалаб уриб, тиғини, дамини тикламоқ, пеш чиқармоқ. *Кетмонни пешламоқ.* ▬ *Йўл-йўлакай канал қазишга келган кишиларнинг чодирлари, ошхоналар, кетмон, белкуракларни пешлайдиган кўчма устахоналар учраб туради.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ақлни пешламоқ Ақл-идрокни ўстирмоқ, зеҳнни очмоқ, ўткирламоқ. *Билим ақлни пешлайди.* Р. Усмонов, Одобнома. *Яхши китоб бола қалбини нурга чулғайди, маънавий озиқ беради, ақлини пешлайди, яқин маслаҳатчисига айланади.* Газетадан.

ПЕШМА-ПЕШ [*ф.* پیش بپیش – олдинма-олдин, кетма-кет] *рвш.* Пеш келганини пеш бажариб, тўхтатмай, кетини узмай, кетма-кет. *Очилвой балиқтутнинг мустаҳкамроқ шохига қўл тарози осиб, пахталарни пешма-пеш ўлчаб олишга тушди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар. *У [Озод] Райҳон оққа кўчирган саҳифаларни пешма-пеш диққат назаридан ўтказишга тутинди.* «Ёшлик». *Ҳосилдан бўшаган майдонларга эса пешма-пеш ғалла уруғи сепилмоқда.* Газетадан.

ПЕШМАТ [*ф.* پیشبند – олди боғлиқ; фартук] Тиззагача тушадиган, хипча бел устки кийим; бешмат. [*Бўрихўжа*] *Ҳамма вақт узун пешмат ва мошранг духоба дўппи кияди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. [*Эшон ойим*] *Оқ шоҳи кўйлак устидан қора духоба пешмат кийган, бошига майин мисқоли дока рўмол устидан товар дуррача танғиган – олифта.* Ойбек, Болалик. *Устида беқасам пешмат, пешонасини танғиб боғлаб олган Сунбулхон аяни куни бўйи ваҳимали хаёллар чулғаб.. хаёл сурарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПЕШНОП [*ф.* پیشناف – киндик олди, атрофи] Қўйнинг киндик атрофидан олинган ёғли гўшт. [*Муллажон:*] *Шу қарздан узилай, ундан кейин гўшт дўконига ишга кираман, еганинг пешноп, кийганинг атлас бўлади.* С. Аҳмад, Муллажон. *Сихкабоб, кунжутли нон, пешноп сомсалардан еб қолинг.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ПЕШОБ [*ф.* پیشاب – сийдик] *айн.* **сийдик.** *Селдир ейиш иштаҳани очади, пешобни ҳайдайди, иситмада фойда қилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПЕШОЙНА [*ф.* پیشآئینه – олд ойна] Автомобиль, трамвай, троллейбус кабиларнинг олд қисмига ўрнатилган ойна. *Чанг босилиб, юриш енгиллашгач, ҳайдовчи пешойна тепасидаги кўзгу орқали Йигиталига қаради.* Т. Малик, Шайтанат.

ПЕШОНА [*ф.* پیشانه / پیشانی – манглай, пешона] **1** *анат.* Юзнинг қошдан сочгача бўлган қисми, манглай. *Кенг пешона. Пешона суяги.* ▬ *Бу гаплардан ҳашарчилар қотиб-қотиб кулишарди. Раззоқ буқачи пешонасини уқалаб, терга пишиб, индамай ўтирарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Икромжон тер босган пешоналарини, бўйинларини қийиғи билан артаркан, Азизхон тарафга бир қараб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Пешонани боғлаб, ишга киришмоқ Астойдил ишга киришмоқ. **Пешонасини силамоқ** *айн.* **бошини силамоқ 2.** *қ.* **бош.** *[Бой:] Баракалла ўғлим! ..Ҳалол меҳнат қилсанг, ҳамиша бахтинг олчи-да! Ҳамиша пешонангни силайман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 *кўчма* Диний тасаввурларга кўра: қисмат, тақдир. *Наҳот пешонамга тоабад тобелик, қуллик мақоми битилган бўлса.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Пешонага ёзилгани Тақдирда белгиланган нарса; тақдир, қисмат. *Пешонамга ёзгани сен экансан, менда нима чора!* Ҳамза, Танланган асарлар. *Билмадим, тақдир унинг*

ва менинг пешонамга нималар ёзгандир. Ғ. Ғулом, Ёдгор. **Пешонада битганини** (*ёки* **ёзилганини**) **кўрмоқ** Тақдирда белгиланган нарсадан, қисматдан қочиб қутула олмаслик. *Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Пешонада битганини кўрасан.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Зероки, рисолаларимиз мавжуд, ҳар ким ўз толеидан, пешонасига ёзилганини кўрадир.* У. Исмоилов, Сайланма. **Пешонамдан кўрдим** 1) таваккал, нима бўлса бўлар. *«Бахтинг бўлса, тузалиб кетасан», дейишяпти. У ёғини пешонамдан кўрдим.* «Саодат»; 2) тақдирда ёзилгани шу экан, на чора. *Хола, кўп эзмаланмай, чиқиб айтаверинг-да. Бўладиган бўлса, мендан сўраб нима қиласиз? Нима бўлса, пешонамдан кўраман.* Ҳамза, Танланган асарлар. **Пешонаси ёруғ** Омади келган, бахтли. *Пешонамиз ёруғ экан, ўғлим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Пешонасига сиғмади** Айрилди, жудо бўлди.

3 *с.т.* Бисот, буду шуд, бор-йўғи. *Пешонагинамизда биттагина-да, ўргилай, биттагина.* С. Аҳмад, Уфқ. *Пешонамда битта ўғил, ёнимда юрсин, деб туриб олди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Пешона тери Меҳнат ва унинг маҳсули. *-Агар ўзининг пешона тери билан бойлик орттирган шайх топилса, — деди истеҳзо билан, — майли, мақбарани ўша бошқара қолсин, мен розиман! Шу билан гапим тамом.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўғирлик қилиб топган бўлсам айтинглар. Улар пешона тери билан топилган. Ҳалоллик билан орттирганман уларни мен..* К. Яшин, Ҳамза. **Пешона тери тўкмоқ** Тиришиб, астойдил меҳнат қилмоқ. *Мусобақадошингиз қўйган шартларни бажариш учун ҳалол меҳнат қилинг, баравар пешона тери тўкинг!* У. Исмоилов, Сайланма. **Пешонаси деворга тегмоқ** Тавбасига таянмоқ, қилмишига пушаймон бўлмоқ, тушунмоқ. **Пешонаси кўҳлик** *айн.* **пешонаси ёруғ** *қ.* **пешона 2.** *Олло таоло litбировнинг пешонасини кўҳлик, бировникини қуп-қуруқ қилиб яратади. У бандаларига ризқ-рўзни ҳар кимнинг ўзига яраша ўлчаб сочади.* К. Яшин, Ҳамза. **Пешонаси очилмоқ** Иши юришмоқ, омади келмоқ, бахти очилмоқ. *Бой ҳам шу мулкнинг бадалига, пешонам очилиб, бирор иш-пишга тушиб кетгунимча, бирор йил чамаси боқмоқчи бўлибди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. **Пешонаси шўр** *ёки* **шўр пешона** Бахтсиз, бебахт. *-Эҳ, пешонам шўр экан, ошна! Бир ташвишдан қутулмасимдан иккинчиси таппа босади, — деди Алижон Омонтойга, бирон нажот топ, дегандай мўлтираб.* К. Яшин, Ҳамза. *[Жамила:] Ёки Ғофирдек бахтсиз, онангдай пешонаси шўр бўлиб туғилармидинг?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Пешонаси қора** *айн.* **пешонаси шўр.** *Йўл узунми, дард узун? Дарвиш ашуласи узун. Тун қорами, дард қора? Дарвиш пешонаси қора.* Х. Даврон, Қақнус. **Пешонасини тириштирмоқ** Энсаси қотмоқ ёки жаҳли чиқмоқ. *Олчинбек дабдурустдан кириб келиб, тилёғламачилик билан бошлаган гапи Ҳамзанинг энсасини қотирди. Пешонаси тиришиб, қаттиқ гапиргиси келди-ю, лекин ўзини босди.* К. Яшин, Ҳамза. *Мансур бир нафас пешонасини тириштириб, ўйланиб турди-да, эшик тутқичига қўл чўзди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПЕШОНАБАНД [пешона + банд] **1** Аёллар бошига, пешонасига боғлайдиган, танғиб ўрайдиган кичкина рўмол.

2 *эск.* Рўмол устидан пешонага боғланадиган, кашта билан безатилган боғич.

ПЕШОНАБОҒ *айн.* **пешонабанд 1.** *Сора кампир.. елкасига тушиб кетган кўк штапель пешонабоғини бошига тортганди, у билан баробар сочи учидаги чўлпилари ҳам шиқирлаб, юқорига кўтарилди.* «Ёшлик». *Холанинг пешонабоғи остидан оқ кулранг сочлари чиқиб турар, кўз атрофи, бўйнида ажинлар қуюқлашгандай эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ПЕШРАВ [*ф.* پیشرو – олдинда борувчи; илғор; раҳбар, раҳнамо] *кт.* Бошлаб борувчи, етакловчи; нишона. *Соқол оқи ўлимга пешравдир. Тириклик сабзаси узра қировдир.* Алишер Навоий.

ПЕШТАХТА [*ф.* پیشتخته – олдинга қўйилган тахта, стол] **1** Дўконда, магазинда, бозорда сотувчини харидордан ажратиб турадиган, устига сотиладиган моллар қўйиладиган, кўпинча харидор томони ёпиқ махсус стол. *Магазинда одам йўқ.. Пештахта орқасида ёшгина сотувчи йигит ўтирарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Мудир пештахтани айланиб ўтиб, Гулчеҳрага яқин келди.* «Саодат». *Бу ерда ҳозирча деҳқонлар ўз маҳсулотлари билан савдо қилишяпти, пештахталар қўйиб берганмиз.* Газетадан. *Яқинда «Шарқ зиёкори» китоб дўконида пештахтани безаб турган бир ноёб альбом-китобга кўзим тушиб, беихтиёр уни варақладим.* Газетадан.

2 *бнк.* Карнизнинг бўйламасига қўйилган кичик тўсин ёки тахта.

ПЕШТАҲАМ [*ф.* پیشدهن / پوچدهان – беодоб, беҳаё сўз айтувчи] Оғзига келган ножўя, уятли сўзларни қайтармай айтаверадиган, оғзи бузуқ киши. *Пештаҳам одам.* ▬ *Ҳа, атрофида бидъатга муккасидан кетган беш-ўнта нодон, иғвогар, шилқим.. пештаҳамлари ҳам бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Оғзини пештаҳам қилмоқ Уятли сўзлар айтмоқ, сўкинмоқ. *Қамчи: -Менимча, бу тўнғиз ёлғиз эмас, шериклари бор, – деганда, Қобил бир ижирғаниб, яна оғзини пештаҳам қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ПЕШТОҚ [*ф.* پیش – олд ва *а.* طاق – гумбаз, қубба; арка] *архит.* Мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой каби биноларнинг олд томондаги серҳашам юқори қисми; меҳроб шаклли баланд дарвоза, арк. *Деразадан аллақандай мадрасанинг кунгурадор пештоқи кўриниб туради. Пештоқ чеккасида шерлар тасвирланган.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Анвар пештоқида чироқ ёниб турган жимжимадор дарвоза олдига етганида, бирдан юраги гупиллаб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПЕШҚАДАМ [*ф.* + *а.* پیشقدم (пеш + қадам) – илғор, ташаббускор; зарбдор] **1** *сфт.* Иш, ўқиш, спорт кабиларда бошқалардан олдинда борувчи, ўрнак кўрсатувчи; илғор. *Пешқадам теримчи.* ▬ *Пешқадам ишчи кунига режадаги 480 та ўрнига 650 тача рўмолнинг четини тикади.* Газетадан.

2 *от* Шундай хусусиятга эга бўлган киши, ўқувчи ёки спортчи. *Тиришиб машқ қилишим орқасида, ҳамсабоқ ўртоқларим орасида иншо ёзишда пешқадам бўлиб олдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Гуруҳ пешқадами – Бразилия терма командасининг кутилмаган мағлубияти вазиятни ўзгартириб юборди.* Газетадан. *Кимдир эски усуллар билан ишлайди, кимдир компьютер техникаси афзаллигига ишонади, кимдир эса ўз соҳасининг пешқадами бўлади.* Газетадан.

ПЕШҚАДАМЛИК Иш, ўқиш, спорт кабиларда бошқалардан олдинда бўлишлик, ўрнак кўрсатиш, илғорлик. *Пешқадамлик учун курашмоқ. Пешқадамликни қўлдан бермай ишламоқ.*

ПИАНИНО [*итал.* pianino – кичик фортепьяно] *мус.* Торли урма-клавишли мусиқа асбоби, фортепьянонинг бир тури. *Дам олиш минутларида Фарида унга пианино чалиб берар.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Қаердадир, аллаким пианинода «Жонон»ни чалмоқда.* С. Зуннунова, Олов.

ПИАНИНОЧИ Пианино, рояль чалувчи созанда. *2002 йили Италиянинг Агрополи шаҳрида бўлиб ўтган ёш пианиночилар танловида иштирок этдим.* Газетадан.

ПИВО [*р.* пиво < пить – «ичмоқ» с. дан ҳосил қилинган от] Кўпинча ундириб янчилган арпадан тайёрланадиган, кам спиртли ичимлик. *Қибрай пивоси. Пиво заводи.* ▬ *Ҳа, айтгандай, Самарқанд пивосини мақташарди. Чанқовбосди қилмайсизми?* «Аския». *Дарҳақиқат, қассоб пиво дўконининг орқа эшигига яқин бориб, ўша болага кўз қисиб имлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИВОХОНА Пиво сотиладиган, сотиб олиб ичиладиган махсус дўкон; майхона. *Кеча қайси пивохонада ичиб қолганингизни ҳам мендан сўрайсизми?* А. Қаҳҳор, Сароб. *Сандироқлаб юриб, пивохона ёнида тўхтади, бир оз чайқалиб тургач, ичкарига кирди.* «Ёшлик».

ПИВОХЎРЛИК Пиво ичиш билан шуғулланиш, пивони кўп ичишлик. *Трест дарвозасининг олдидаги пивохонада шериклари билан роса пивохўрлик қилган.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар.

ПИГМЕНТАЦИЯ [*лот.* pigmentum – бўёқ, бўёвчи модда] Пигментлар таъсирида организмларнинг тегишли тусга кириши, рангининг ўзгариши.

ПИГМЕНТЛАР [*лот.* pigmentum – бўёқ, ранг] **1** *биол.* Тирик организм (ҳайвон ва ўсимлик) тўқималари таркибида бўладиган ва уларнинг рангини белгилайдиган бўёқ моддалар. *Соч оқариши унда пигмент етишмаслиги оқибатидир.* «Фан ва турмуш». *Чунки қудуқ суви, айниқса, пигмент етишмаслиги натижасида терида пайдо бўладиган оқ доғларга «шифо» бўлар эмиш.* «Фан ва турмуш».

2 *ким.* Лак-бўёқ маҳсулотлари, кимёвий толалар, пластмасса, резина ва қоғозга ранг берувчи, сувда ва органик эритувчиларда эримайдиган кукунсимон кимёвий бирикмалар.

ПИДЖАК [*ингл.* pea-jacket < *голл.* pij – дағал мато + jekker – куртка] Қайтарма ёқали, олди очиқ, тугмаланадиган калта уст кийим – эркаклар костюмининг бир қисми.

Олимжон пиджагини ечди-ю, мулойимлик билан Ойқизнинг елкасига ташлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Яхшибоев эгнидаги пиджакни ечиб, отиб юборди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Гавҳар ўт устида ётган пиджакни олди-да, унинг елкасига ташлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИДИНА [*ф.* پودنه – ялпизнинг бир тури] *с.т. айн.* **ялпиз**. *Ялпиз. Баъзи жойларда пидина ёки наъмо деб аташади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПИЕЛИТ [*юн.* pyelos– жом + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Буйрак жомининг яллиғланиши.

ПИЕЛОНЕФРИТ [*юн.* pyelos – жом + nephros – буйрак + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Буйрак ва буйрак жомининг яллиғланиши. *Пиелонефрит буйрак тўқимасига касаллик микроблари кириши натижасида вужудга келади.* «ЎзМЭ».

ПИЁВА [*ф.* پیاز – пиёз + آب – сув] Пиёздоғ ва сувдан тайёрланган гўштсиз суюқ овқат; ёвғон шўрва. *Тур, қизим! Ҳа, аччиққина бир коса пиёва қилгин, кўнглим озиб кетди.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Мазифа опа эса кунора айвондаги ўчоқда бир иссиқ пиёва қилади.* Ш. Холмирзаев, Танланган асарлар.

ПИЁДА [*ф.* پیاده – яёв, оёқ билан; уловсиз аскар] **1** *рвш.* Уловсиз, ўз оёғи билан; яёв. *Одамлар нимагадир трамвай-троллейбусга ўтирмай, тўда-тўда бўлиб, пиёда кетишяпти.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Ҳожи ота карвонбоши билан кўришиб, Рўзиохунбой боғининг ниҳоясигача отнинг чилвиридан ушлаб, пиёда юрди.* «Ёшлик».

2 *сфт.* От-уловга эга бўлмаган, яёв юрадиган. *Самолётлардан сўнг танклар ҳужумга кирди. Унинг орқасидан пиёда роталар қўзғалди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шу чоқ қишлоқнинг кун ботиш томонидан баланд “ура” овози эшитилди ва қишлоққа мўрмалахдай ёпирилиб келаётган пиёда аскарлар кўринди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *от ҳарб.* (*асосан кўпл. шаклида*) Яёв жанг қилиш учун белгиланган қўшин тури. *Отлиқлар кетидан пиёдалар ҳам югуриб кетишди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Гулдурос билан келаётган танклар орқасидан пиёдалар югурди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 *от* Шахмат ўйинида: энг кучсиз дона. *Ўйин билмасанг, пиёдани сур.* Мақол. ▬ *[Мухторжон] Саидийга энди жавоб бераман деб турганда, Мирза Муҳиддин бир пиёда суриш билан унинг илгариги ҳолатда қолдирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

5 *қ.* **йўловчи.** *Тротуар – пиёдалар юрадиган йўлка.*

Пиёда ўчоқ 1) ошхонада бошқа ўчоқлардан алоҳида қурилган ўчоқ, шунингдек, очиқ ҳовлидаги алоҳида ўчоқ; 2) ерга қурилган, оғзи осмонга қараган тандир.

ПИЁДАЛАБ *фольк.* Пиёда юриб, пиёда, яёв. *От-арава чўлда қолиб кетади, Пиёдалаб шоҳ қошига етади.* «Алпомиш». *Пиёдалаб Ҳақиқ тоғдан жўнади, Борар ернинг тайинини билмади.* «Ширин билан Шакар».

ПИЁДАЛАШМОҚ Кўпчилик бўлиб пиёда юрмоқ, бормоқ, айланмоқ.

ПИЁЗ [*ф.* پیاز – пиёз, бир бош пиёз] **1** Барглари найчасимон узун бўлиб ўсадиган, илдиз бўғзида юпқа қат-қат пўстлардан юмалоқ тугунак ҳосил қиладиган, тугунаги ва ёш барги овқатга ишлатиладиган икки йиллик ва кўп йиллик сабзавот ўсимлиги. *Оқ пиёз. Қизил пиёз. Барра пиёз. Кўк пиёз. Топган гул келтирар, топмаган – бир боғ пиёз.* Мақол. ▬ *Бутун оиласи бу ерга помидор, пиёз, редиска, карам ва ҳоказо резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб, «пул» қилишга тиришар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Пиёзи ансурий Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида ўсадиган, тугунак ҳосили овқатга ишлатиладиган сервитамин ёввойи пиёз. **Саримсоқ пиёз** *айн.* **саримсоқ 1**.

2 Баъзи ўсимликларнинг пиёзсимон илдизи, тугунаги. *Лола пиёзи.*

Пиёзнинг пўстидай Жуда юпқа. *Пиёзнинг пўстидай парда.* **Қорни пиёзнинг пўстидай бўлди** Қорни жуда, ниҳоят очди. *Аммо қасамёд қилиб айтамизки, қоринларимиз пиёзнинг пўстидай бўлиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ПИЁЗГУЛ [*ф.* پیازگل] Лолагуллилар оиласига мансуб узун пояли, пиёз илдизли хушманзара ўсимлик ва унинг карнайсимон йирик гули.

ПИЁЗДОҒ [*ф.* پیازداغ] Ёғда қовурилган пиёз. *Пиёздоғ қилмоқ.* ▬ *Пиёздоғнинг ҳидлари димоғимга кириб, иштаҳа ҳам намозшомгулнинг карнайидай очилиб кетган.* Ғ.

Ғулом, Шум бола. *Қўшни ҳовлида кимдир жаз-буз қилиб пиёздоғ қилмоқда.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳозиргина пода қайтган, қишлоқ бузоқларнинг қий-чуви билан тўлган, ҳавода пиёздоғ иси анқийди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИЁЗИ [*ф.* پیازی – пиёзга оид, пиёз каби] Жундан юпқа қилиб тўқилган (мато ҳақида). *Унинг бошида Бухоро амалдорлариникидек ўралган дока салла, эгнида пиёзи мовутдан чакмон, оёғида сариқ кавуш-маҳси.* С. Айний, Дохунда. *Пиёзи чакмонининг барини қатимига қисиб, қора бахмал ҳошияли оқ қалпоғини бостириб олган хушрўй йигит баланд пахсадан осилиб тушган беҳи шохига қараб борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПИЁЛА [*ф.* پیاله < *юн.* phiale – сув ичиладиган ясси косача] Тубидан юқорига томон кенгайиб борадиган, косадан кичик, тагликли идиш (асосан чой ичиш учун ишлатилади). *Чинни пиёла. Сопол пиёла.* ▬ *Ўн уч кундан бери туз тотмаган одам ўша куни ярим пиёла товуқ шўрва ичдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Азизхон қўлидаги пиёлани бўшатиб, хайрлашиб чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПИЁН [*р.* пьяный – маст, кайфи бор] *с.т.* Ичкиликдан кайфи ошган, маст. *Пиён бўлмоқ. Пиён улфат – бепоён кулфат.* Мақол. ▬ *Ҳаммадан олдин ўсмирча гавдали Султон пиён дикиллаб турди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИЁНИСТА, пиянисता [*р.* пьяница – ичкиликбоз,ароқхўр] *с.т.* Спиртли ичимликни кўп ичадиган; ичкиликбоз, ароқхўр, майпараст киши. *Эй шўринг қурсин. Роса пиёниста экансан.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Пиёниста бўлмасин ишқилиб, – Баҳринисонинг оҳиста айтган бу сўзини ҳеч ким эшитмади.* «Гулдаста». *Битта ўзингни боққанимиз ҳам етарди. Йўқот пиянисता ўртоқларингни!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИЁНИСТАЛИК *эск. с.т.* Спиртли ичимликни кўп ичиш, ичкиликбозлик, майпарастлик. *Пиёнисталикка барҳам бермоқ.*

ПИЖАМА [*ингл.* pyjamas < *ф.* + *ҳинд.* پای – оёқ + جامه – кийим] Юмшоқ матодан тикилган, шим ва кенг калта халатдан иборат, уй ичида кийиладиган енгил кийим. *Штапель пижама. Қишлик пижама.* ▬ [*Борис Александрович*] *Ўрнидан туриб, чироқни ёқди. Эгнида йўл-йўл пижама, кўзойнагини кўтариб-кўтариб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади.* С. Анорбоев, Меҳр. *Шукуров йўл-йўл пижамасининг кенглигиданми, жуда бақувват, миқти кўринарди.* О. Ёқубов, Диёнат.

ПИЗИЛЛАМОҚ Жуда тез юрмоқ, елдай югурмоқ; зипилламоқ, зинғилламоқ. *Дарвозасидан қарасам, пешонасига шоҳи белбоғини танғиб олиб, ҳовлида яктакчан пизиллаб юрибди.* И. Раҳим, Ҳилола. *Ўн қадамча наридан чиябўри кўзларини ёндириб, жар томонга пизиллаб ўтди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ПИЙМА [*р.* пимы < *шимол халқлари тилларидан:* буғу терисидан қилинган қишки этик] Жундан босиб тайёрланган, узун қўнжли, иссиқ қишлик оёқ кийим. *Оёқ яланг қор кечади, сўнгги пиймасини жангчиларга икки қўллаб тутқазади.* С. Кароматов, Олтин қум.

ПИЙМАЧИ Пийма тайёрловчи уста. *Кўчкин бир пиймачи латиш ҳовлимизда яшарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПИЙПАЛАМОҚ 1 Босиб-янчиб ёки уриб-туртиб эзғиламоқ, эзмоқ. *Мард бўлсанг, тўғрини эмас, ўғрини пийпала.* Мақол. ▬ *Агар Валиев ёмонликка олса, уни бирпасдаёқ пийпалаб ташлайди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Кейин бировлар консервани пийпалаб кетди, бировлар уйда тартиб ўрнатишга уннади.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *айн.* **пайпасламоқ 1**.

ПИЙПАЛАНМОҚ Пийпаламоқ фл. мажҳ. н. *Ҳали вақт кўп, тиқилинчда пийпаланиб нима қиламан, деб ярим йўлда тушиб қолдимда, папирос тутатиб, секин пиёда кета бошладим.* У. Назаров, Биринчи учрашув.

ПИЙПАМОҚ *айн.* **пийпаламоқ.** *Чўлоқ девни пийпаб олди остига.* «Нигор ва Замон».

ПИЙПАСЛАМОҚ 1 *айн.* **пайпасламоқ 1.** *Бир пайт бола уйқусираб ингради, кўзларини очмасдан, кўрпанинг четини пийпаслаб ушлаб, юзига тортди.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли. *Шерали ўтириб, ўнг оёғи тиззасини пийпаслаб кўрди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Юпатмоқ, овутмоқ. *Сарви хола овсинининг хафалигини бир оз ёзиш учун пийпаслаб гапира кетди: -Шаттакилигим ўлсин, овсин, гапиравераман. Аслида ўзи шу яхши.* Р. Файзий, Қайнона.

ПИЙСАБИЛЛО [*а.* فی‌سبیل‌الله – оллоҳ, худо йўлида (садақа сўраш маъносида)] *с.т.*

Кўнгилдан, дилдан чиқариб. *-Жиян, сенинг мендан бўлак жони ачийдиган кишинг йўқ, домлангнинг қизидан айрилма, майли, мен пийсабилло сени ўша олижаноб домлага бердим, унга ўғил бўл, бахтли бўл, — деди Умидга тоғаси.* Мирмуҳсин, Умид. *Ишни пийсабилло бўйинга олгандан кейин, уддасидан чиқсангиз қилинг-да!* У. Исмоилов, Сайланма.

ПИКАП [*ингл.* pick-up — < pick up — кўтариш] Юк ва одам ташиш учун белгиланган очиқ кузовли, ўриндиқлари борт бўйлаб жойлашган кичик автомобиль.

ПИКЕТ [*фр.* piquet — қозиқ, қозиқча] **1** *ҳарб.* Кам сонли соқчилар отряди.

2 Иш ташлаш юз берган жойда қоровуллик қилиб юрувчи ишчи гуруҳ.

3 *сиёс.* Одатда ҳукумат идоралари олдига бирор нарсадан норозиликни ифодалаш учун қўйиладиган вакиллар гуруҳи.

ПИКИРОВКА [*фр.* piquet — қозиқ, қозиқча] *қ. х.* Полиз-сабзавот, мева, манзарадор ўсимликларнинг янги униб чиққан кўчатларини олиб, уларнинг ўсиш шароитларини яхшилаш мақсадида бошқа жойга ўтқазиш (кўпинча қозиқчалар ёрдамида). *Бир парник ёки яшикдаги кўчатларни бошқа парник ёки яшикка олиб, сийрак қилиб экиш «пикировка» деб аталади.* Газетадан.

ПИКТОГРАФИЯ [*лот.* pictus — бўёқда чизилган, тасвирланган + *юн.* grapho — ёзаман] *тлш.* Нарса-буюм, воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракатларни шартли белги-расмларда акс эттиришдан иборат ибтидоий ёзув тури (бундай ёзув излари ҳозирги кунда йўл ҳаракатини тартибга солувчи белгиларда, турли кўрсаткич ва пешлавҳаларда қўлланмоқда).

ПИЛДИРАМОҚ 1 Кўз илғамас даражада тез айланмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Мотор гулдураб, ғилдирак пилдираб, цехда яна иш бошланди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Сой оқимига қарши бир қарич, бир ярим қарич катталикдаги балиқлар пилдираб сузишарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Майда қадам билан тез, шошиб-пишиб юрмоқ (кўпинча болаларга нисбатан). *Тўланбой йўқ демай, пилдираб кетаверарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эрта тонгда бирин-кетин катталар ишга, кичкинтойлар пилдираб, боқча ва мактабларга йўл олишади.* «Ёшлик». *Карим энтикканича, қўрқа-писа дадам кетидан пилдираб кетди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

ПИЛДИРОҚ *с.т. қ.* **пирилдоқ**.

ПИЛДИРПИС *с.т.* Индамай, жимгина. *Болалар пилдирпис бўлиб, жой-жойига ўтиришди. Шерзод ҳам қорнини чангаллаганча, ўз партасига кетди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Донибой ҳар замон-ҳар замонда бир қорасини кўрсатиб қўяр, шундаям оёқ-поёғидан сал совуқ ўтдими, пилдирпис жўнаб қоларди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ПИЛЕСОС [*р.* пылесос — чангсўрғич] Кийим-кечак, гилам, мебель кабиларни чангдан тозалайдиган аппарат, чангсўрғич. *Врач пилесосни ўчириб, ўриндиқ четига ўтирган проводник билан сўзлашади.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка. *1988 йилдан бошлаб Париж метроси бекатларида роботлаштирилган пилесослар ишлай бошлади.* «Фан ва турмуш».

ПИЛИК 1 Бир учи ёритқич асбоб ичидаги керосинни ёки мойни шимиб, иккинчи — ёнувчи учига ўтказиб берадиган лентасимон мато ёки эшилган пахта. *Қорачироқ пилиги. Шамнинг пилиги. Лампа пилиги.* ▬ *Мойи тугаб, пилиги сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сўнди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ёшига нисбатан анча тетик, барваста чол остона ҳатлади. Гулрўйнинг юраги безовта тепганча, яна бир бор эшитилар-эшитилмас, ўтиринг, деб қўйди-да, чироқ пилигини бир оз кўтариб, кўрпача ташлади.* «Ёшлик».

Пилигини кўтармоқ *кўчма* Бирор нарсанинг, иш-ҳаракатнинг даражасини, савиясини, миқдорини кўтармоқ, оширмоқ. *[Расулжон:] Йўқ, дўстим, ҳозирги замонда математикадан оқсаш ярамайди. Математикадан баҳонинг пилигини кўтариш керак.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *-Сиз ҳам бизнинг диний урф-одатларимизга дахл қилманг, оқибати яхши бўлмайди, — деди мулойимлик билан. Кейин пилигини сал баланд кўтариб, илова қилди. — Сиз ёшликда қандай бўлсангиз, ҳалиям ўша-ўша чўрткесар, ўжар, қизиққонсиз.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *тўқм.* Пахта, жун, ипак ва зиғир толаларини бўшгина ҳимариб, чўзиб, тўғрилаб ҳосил қилинадиган маҳсулот. *Пилик ип йигириш учун асосий хомашё ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

3 Соч ўрими ечилиб кетмаслиги учун унинг учига қўшиб ўрилган пахта. *Сочини майда ўриб, учига пилик таққан, оёғига кавуш, эгнига чит кўйлак кийган ўн олти ёшлардаги бир қиз анор узиб, саватга терарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

4 Арвоҳларга, инсу жинсларга атаб ёқиш учун бир учига пахта ўраб, ёққа ботирилган чўп. *Камзулининг чўнтагидан қамишга ўралган бир неча пиликни олиб, учтасини Сурмахон қабрининг бош томонига тиқиб, ёндириб қўйди.* И. Раҳим, Ихлос.

5 Қош, киприкни бўяш учун ишлатиладиган, учига пахта ўралган чўп. *Сатимхоннинг қўшнилар билан тотувлашиб олганини айтмайсизми — бир пиёла кетидан ўсма қўйиб, бир пиликдан сурма тортгандай!* Шуҳрат, Умр поғоналари.

ПИЛИКДАЙ, -дек 1 Пилик каби, пиликка ўхшаш ингичка, нозик. *Эсимда, оёғи пиликдай гўдак Очликдан қоқ уриб, берган эди жон.* «Ёшлик».

2 Чиройли, гўзал. *Сувдан чиққан зулукдай, Қошу кўзи пиликдай Келин пошшага салом.* «Оқ олма, қизил олма».

ПИЛИКЛИ 1 Пилиги бўлган, пилик воситасида ёнадиган. *Ҳар маҳаллага шаҳар думахонаси ўтқазган фонусларнинг ичида биттадан еттинчи пиликли керосин лампа ёнар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Учига пилик қўшиб ўрилган (соч ўрими ҳақида). *Ўша йили сочим эди — оқ пиликли жамалак.* Ғ. Ғулом.

ПИЛЛА I [*ф.* پيله – ипак қурти пилласи, ғумбак] **1** Ипак қурти ғумбакка айланишдан олдин ўз устига ўраб ҳосил қилган қобиқ, ипак қуртининг маҳсули; табиий ипак олинадиган хомашё. *Пахтанинг ҳар шонаси — Мўл ҳосил нишонаси. Пилланинг ҳар толаси — Шойи-атлас онаси.* «Қўшиқлар». *Пилла қуртлар сўрида, Уйимизнинг тўрида, Тут барг ейди вишиллаб.* Қ. Ҳикмат.

Пилла тортмоқ Пиллани махсус йўл билан ишлаб, ипак толасига айлантирмоқ. **Пўчоқ пилла** Ичидан капалаги тешиб чиқиб кетган пилла. **Тўқ пилла** Қобиғи қалин етук пилла.

2 Кўпгина ҳашаротлар ғумбагининг ҳимоя қобиғи.

ПИЛЛА II [*ф.* پيله – йирингли яра, чипқон; милкнинг йиринглаши] *тиб.* Тиш милкининг шишиб, йиринг бойлаши.

ПИЛЛАКАШ [*ф.* پيله كش – пилла тортувчи] **1** Пиллани махсус йўл билан ишлаб, ундан ипак олувчи, пилла тортувчи киши. [*Низомжоннинг*] *Қиладиган иши — пиллакашларнинг қозонига ўт қалаш.* С. Аҳмад, Уфқ. *Пилла тортишда пилла сиртидаги чулғамлар, ипак толаси ва пилла ичидаги чулғанмайдиган парда олинади.* «ЎзМЭ».

2 *айн.* **пиллачи.**

ПИЛЛАКАШЛИК 1 Пиллакаш касби. *Бу ерда [фабрикада Мунисхон] пиллакашлик касбининг нозик томонларини қунт билан ўрганди.* Газетадан.

2 Пилла тортиш, ундан ипак олиш иши, шу иш билан шуғулланувчи соҳа. *Иш жараёнларига сарфланадиган меҳнат камайсин учун, пиллакашликни автоматлаштириш лозим.* «Фан ва турмуш».

3 *айн.* **пиллачилик 1.** *Пиллакашлик бригадаси.*

ПИЛЛАКОР *айн.* **пиллачи**. *Пиллакору чорвадор, ғаллакор, боғбону соҳибкор — ҳаммасининг юзи ёруғ.* «Саодат». *-Катта концерт! — деб кулди секретарь, — пиллакорларнинг йиғини бор, шахсан саркотибнинг ўзлари қатнашади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ПИЛЛАКОРЛИК *айн.* **пиллачилик**.

ПИЛЛАПОЧА [*ф.* پله پاچه – оёқ қўйиладиган поғона] Пиллапоя, поғона.

ПИЛЛАПОЯ [*ф.* پله پايه – зина; оёқ қўйиладиган поғона] **1** Зина ёки нарвоннинг ҳар бир поғонаси, босқичи; поғона. *Жўрабой уйқусизликдан мудраб, зинанинг икки-уч пиллапоясига баравар оёқ ташлаб юборган эди, қалқиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бир оёғини вагоннинг юқориги, бир оёғини пастки пиллапоясига қўйиб турган Саодатнинг кўзи онасида эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Тезда орқасига қайтдида, тепаликнинг нариги томонидаги махсус пиллапоядан пастга тушиб, боланинг олдига чопди.* С. Зуннунова, Олов.

2 *кўчма* Босқич, кўтарилиш босқичи. *Ҳақиқий илм фидойилари фаннинг машаққатли, аммо фахрли пиллапоялари сари илгарилаётиб, ўзларини очилмаган қўриқ сари бораётгандай ҳис этишади.* Газетадан. *Ҳаёт инсонни аста-секин вояга етказар, ўз пиллапояларидан бирин-кетин етаклаб чиқаверар экан.* «Ёшлик».

ПИЛЛАХОНА [пилла + хона] Пилла қурти боқиладиган, пилла етиштириладиган махсус жой, хона. *Инкубаторлар учун жой тайёрлаш, пиллахоналарни ремонт қилиш, ёқилғи жамғариш, биноларни дезинфекциялаш ишлари авж олиб кетди.* Газетадан.

ПИЛЛАЧИ Ипак қурти боқиш ва пилла етиштириш билан шуғулланувчи киши. *«Қишлоқ ўқитувчиси» қиссаномам унинг қаҳрамони – Давлат мукофоти лауреати, новатор пиллачи, қишлоқ ўқитувчиси Олияхон Султонованинг издошларини етиштирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ПИЛЛАЧИЛИК 1 Ипак қурти боқиш ва пилла етиштириш иши, касби. *Пиллачилик – фахрли ва масъулиятли касб.* Газетадан. *Район бош пиллахонасида ипак қурти боқиш мавсуми олдидан пиллачилик мутахассислари учун малака ошириш курслари ташкил этилди.* Газетадан.

2 Қишлоқ хўжалигининг пилла етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Хўжалик сертармоқ: колхоз боғдорчилик, узумчилик, деҳқончилик, чорвачилик, пиллачилик билан шуғулланади.* Газетадан.

ПИЛОРАМА [*р.* пила – арра + *нем.* Rahmen – ром, таглик, асос] Ғўла ёғочдан тахта тилиш, арралаш дастгоҳи. *Пилорамада тахта тилмоқ.* ▬ *Бу ерда [устахонада] бир неча пилорама ва станоклар ишлаб турибди.* Газетадан.

ПИЛОТ [*фр.* pilote – учувчи] Самолёт, дирижабль ва ш.к. учиш аппаратларини бошқарувчи мутахассис, учувчи. *Ўлчови бор ҳар маҳсулотнинг, Хирмонда доимо тайёр тарози; Тонналаб ўлчайди ишчи пўлатни, Километрлар билан – пилот парвози.* А. Мухтор, Асарлар.

ПИЛОТАЖ [*фр.* pilotage – учиш маҳорати] Учиш аппаратларида ҳавода турли хил шакллар ясаш учун уларни горизонтал, вертикал ва қия йўналишларда маҳорат билан бошқариш санъати. *Олий пилотаж.*

ПИЛОТКА [«пилот» с. дан] Ҳарбий хизматчилар (дастлаб учувчилар)нинг ёзлик бош кийими. *Гимнастёрка барини тортдим, камаримни қаттиқроқ қисиб, пилоткамни тўғриладим.* «Муштум». [*Аскар йигит*] *Ўсиқ қошларигача тушган пилоткасини кўтарди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ПИЛ-ПИЛ Тез ва енгил такрорланадиган оний ҳаракат. *Ўртадаги катта текис тош устида фонарь пил-пил ёнмоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

ПИЛПИЛЛАМОҚ 1 "Пил-пил" қилиб ёнмоқ, липилламоқ, милтилламоқ. *Милт-милт пилпиллаган шу кўримсиз шам Яратмиш жаҳонга етгулик зиё..* Миртемир, Асарлар. *Тўсатдан турган шамол пилпиллаб зўрға ёнаётган лампани бир этак силкишдаёқ ўчириб қўйди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Тез-тез ҳаракатланмоқ, пирпирамоқ, учмоқ (мас., киприк ҳақида). *Қозининг туссиз кўзлари атрофидаги сийрак киприклари пилпиллади, лаблари пичирлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Тез-тез юмилиб очилиб пирпирамоқ (кўз ҳақида).

ПИЛТА [*ф.* پیلته < *а.* فتله – ўрам, калава, ип; فتیله – пилик; ёндирувчи портлатувчи ип, шнур] **1** Пилтакачга ўраб, дўппи тепчигига, баъзан тўн ёқасининг қавиғига тиқиладиган қоғоз. *Ёқага урилган пилта. Дўппи пилтаси.* ▬ *-Дўппи ёмон эмас, – дейди Мусавой. – Пилталарини қара, шалдироқ қоғоздан шекилли.* Ойбек, Болалик. *Аксар дўппилар тепчигидан қирқилиб, пилтаси кўриниб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Пилтаси чиқмоқ 1) эскириб, йиртилиб тўзмоқ (асосан дўппи, тўн ҳақида). *Мирза Муҳиддин унинг пилтаси чиққан дўпписини яқин тож ўрнида кўрар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) *кўчма* чатоғи чиқмоқ, айби, сири очилмоқ. *Доим бир иш қилса, орқасидан пилтаси чиқиб юради.* «Муштум».

2 Пахта, жун, ипак ва зиғир толаларини бўшгина ҳимариб, чўзиб, текислаб ва тўғрилаб ҳосил қилинадиган тўқимачилик маҳсулоти (лента); пилик олишдаги хомашё.

3 Бирор нарсани маълум масофадан туриб ёндириш ёки портлатиш учун ишлатиладиган ёнувчи чизимча, шнур. *Милтиқнинг пилтасига ўт тегизмоқ.*

Пилта милтиқ *тар.* Порох заряди пилта билан аланга олдириладиган силлиқ стволли милтиқ. *Бу томондаги кенг майдонда ҳарбий машқ – отда чопиб новда қирқиш, тирандозлик, пилта милтиқ отиш каби машқлар ўтади.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

4 *қ.* **пилик 1.** *Тумшуқларнинг ҳар бирида бир пилта ёниб туриб, ҳар икки томонни – ҳам ғўза чувувчилар олдини, ҳам чиғириқлар олдини баравар ёритарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

5 *эск.* Чархда ип йигириш учун пилтакачда юмалоқланган бир бўлак пахта, пағa. *Онам шу қадар тез, шу қадар ингичка йигирар эдики, пилтадан чиқаётган ипни кўзим илғамасди.* Ё. Шукуров, Қасос. *Элмурод унга*

[*отинойига*] *савалган пахтадан пилта ўраб бериб ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 *с.т. қ.* **пилик 3.** *..тўппи кийиб, сичқон думидек сочларига пилта ўраган жамалак қизалоқ унинг диққатини тортди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

7 Дўппидўзлик, мискарлик ва б. амалий санъат турларида безак тури: чивиқ каби ингичка бўртма безак йўл.

ПИЛТАКАЧ [*ф.* پیلته‌کش – пилта қилувчи, пилта ясовчи (асбоб)] Қоғоздан пилта ўраб, тепчик орасига тиқиш учун ишлатиладиган дастали ингичка сим. *Тепа пилтакач. Кизак пилтакач.* ▬ *Расмий қишлоқ бозори: ..қўлларида пахта тўшакдан тортиб пилтакачгача кўтариб юрган олибсотарлар; товуқфурушлар, хуллас, ажойиб "универсал магазин".* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ПИЛТАЛИ 1 Авраси билан астари орасига пилта урилган. *Майда пилтали дўппи. Ёқаси пилтали тўн.*

2 Пилта билан отиладиган. *Пилтали милтиқ.*

ПИЛТАЧИРОҚ Пилигидан тутаб ёнадиган шишасиз чироқ, қорачироқ. *Липиллаб ёниб турган пилтачироқ торгина уйни аранг ёритарди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Ошно ялт этиб шифтга қаради. Ранги қув оқариб кетди – шифтда пилтачироқ осадиган пишиққина илгак бор эди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ПИЛЧИЛЛАМОҚ "Пилч-пилч" қилмоқ, "пилч-пилч" овоз чиқармоқ. *Оёқ остида лой пилчиллайди. Пилчиллаган лой. Қор эриб, ҳамма ёқ пилчиллаб кетди.* ▬ *Хотинларнинг қий-чуви эшитилди. Кимдир «дод, сўяди!» деб чинқирди. Қарасам, пилчиллаб кетган майдонда ўзимиздан бошқа ҳеч ким қолмабди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПИЛЧ-ПИЛЧ *такл. с.* Суюқ, ёпишқоқ лойдан юрганда, оёқ остидан чиқадиган товушлар. *Этик жиққа ҳўл, қадам боссанг, пилч-пилч қилади.* ▬ [*Кўча*] *Тунда қатқалоқ бўлган, қуёшда эриб, пилч-пилч лой бўлган эди.* Ойбек, Навоий.

ПИНАК [*ф.* پینک – уйқунинг боши, уйқу элитиши] Уйқу элитган ҳолат; мудроқ; ўйхаёл.

Пинак сурмоқ *қ.* **пинакка кетмоқ 2**. *Камолиддин махдум, пинак сураётганда шарпадан чўчиган бангидай, уламо шарпасини эшитиб, бирдан сесканиб тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Пинагини бузмай** Парво қилмай, аҳамият, эътибор бермай; бепарво, хотиржам. *Ҳафиза ўзини у ёқ-бу ёққа солиб, пинагини бузмай тура берди. У ҳатто бу аччиқ таъналарни эшитмагандай, эшитса ҳам, бир пақирга олмай, сур бўлиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *-Аммо менга жой бўлиши керак, – деди меҳмон пинагини бузмай.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. **Пинакка кетмоқ** 1) уйқуга кетмоқ, мудрамоқ. [*Собир*] *Пинакка кетиб қолган Ғулом акани уйғотди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг; 2) хаёлга берилиб, борлиқни унутмоқ. *Қария пинакка кетди: оқ сочли бошини қўллари билан сиқиб, кўзларини юмиб, узоқ ўйга толди.* Ойбек, Нур қидириб.

ПИНГВИН [*фр.* pingouin, *ингл.* pinguin < *лот.* pinguis – ёғли, семиз] Қушларнинг Антарктида ва Жанубий яримшарнинг ўрта минтақаларида тарқалган, қорни ва кўкраги оқ, орқаси тўқ кўк ёки қора, қанотлари куракоёққа айланган тури.

ПИНГ-ПОНГ [*ингл.* ping-pong – стол теннисининг эскирган номи; товушга тақлид сўз] Целлулоид коптокчани ракетка билан уриб, стол ўртасига тортилган тўрдан ошириб, столга тушириб ўйналадиган ўйин; стол тенниси. *Мен шахмат ва пинг-понг чемпионларини ютиб келдим.* «Фан ва турмуш».

ПИНЖ 1 Кимса ёки нарсага энг яқин бўлган жой, кимса ёки нарсанинг ёни, биқини; бағри. *Қор босган дарахтлар худди бир-бирларининг пинжига суқилиб олгандай эди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Аввалига Мулла Тошпўлат узоқдан, бозорда дарвоза пинжида ёймачилар қаторида пўстак устида ўтирган кимсага кўзи тушди.* О. Мухтор, Аёллар мамлакати ва салтанати.

2 *кўчма* Паноҳ, ҳимоя.

Пинжига кирмоқ (*ёки* **суқилмоқ, тиқилмоқ**) 1) ёнидан жой олмоқ, бағрига кирмоқ. *Бой қўрбошининг пинжига кириб, уни туртар эди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Пўстин устида ёнма-ён ўтирган Ойсулув Сувонжоннинг пинжига суқилди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Негадир қизча, ҳадиксираган янглиғ, секин аёлнинг пинжига тиқилди.* Н. Қиличев, Чиғириқ; 2) *кўчма* бировнинг кўнглини, тилини топиб, унга яқинлашмоқ, бировнинг ҳомийлигида паноҳ топмоқ. *Ҳамдам катталар ва ўқитув-*

чиларнинг пинжига кириб оладиган бўлиб қолди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? **Пинжига олмоқ** 1) ёнига, бағрига олмоқ. *Пальтосини елкасига солди-да, қизни ҳам пинжига олди.* А. Мухтор, Туғилиш; 2) *кўчма* паноҳига, ҳимоясига олмоқ. *Акам бизни пинжига олиб ардоқлади.* **Пинжидан чиқмоқ** Бағридан чиқмоқ. *Итларнинг бетоқат вовуллашидан ўзимизга келдик. Пинжимдан чиқди-да, у битта-битта қадам ташлаб, нари кетди.* «Ёшлик».

ПИНЦЕТ [*фр.* pincette – қисқич; омбурча] Майда, сирғалувчан, мўрт, нозик нарсаларни маҳкам ушлаб (тутиб) туриш учун ишлатиладиган омбурсимон асбоб, қисқич (тиббиёт, техника ва б. соҳаларда қўлланади).

ПИНҒИЛЛАМОҚ Димоғи билан секин овоз чиқариб гапирмоқ; пўнғилламоқ, тўнғилламоқ. *Содиқ амин.. нарёққа қараб пинғиллади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У димоғида гапирар эди. Унинг овози пинғиллаб эшитилгани учун, Бегимхон пиқиллаб кулди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПИНҒИЛЛАТМОҚ Димоғида пинғиллаган овоз чиқармоқ. *Соли совуқ.. бақа бурнидан пинғиллатиб шу сўзларни чиқарди: -Шундай сизни бир кўриб чиқай, деб кирувдим-да.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПИНҲОН [*ф.* پنهان – яширин, махфий; сирли] **1** Кишининг назаридан яширинган, кўзга кўринмайдиган; яширин. *Минг тасаннога лойиқ ўсимликларнинг ажойиб хислатларидан бири – инсонга ер остида ўзини пинҳон тутган конлардан хабар қила билишидир.* Газетадан.

2 Кишилардан махфий тутилган, сир сақланган; махфий. *Сири пинҳон. Дарди пинҳон. Пинҳон бўлмоқ. Пинҳон тутмоқ.* ▬ *Неча йилдирки, Феруз Авазга пинҳон меҳр қўйган эди. Буни худодан яширмайди, аммо бандасига билдирмайди.* С. Сиёев, Аваз. *Дастлаб туйғуларини ҳаммадан пинҳон тутиб юрди.* «Ёшлик». *..ахир, унинг пинҳон армонларини Нуриллахонгина эмас, Саид Олимхон ҳам яхши биларди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПИНҲОНА [*ф.* پنهانه – яширинча, билдирмаган ҳолда] *рвш.* Кишилардан махфий равишда, бировга билдирмай: яширинча. *Бемаврид келганига Равшан пинҳона афсусланмоқда эди, тезроқ чиқиб кетиш учун баҳона қидирарди.* «Шарқ юлдузи». *Газмолларни тахлаётган мудирга пинҳона назар ташлаб, бир дақиқа туриб қолди.* «Саодат».

ПИНҲОНИЙ [*ф.* پنهانی – яширинча, бекитиқча, махфий] *кт.* Пинҳон тутилган, сир сақланган, яширин; махфий. *Бегимнинг кўзларида кишини чўчитадиган пинҳоний бир маъно бор.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ҳазилмутойибаю кўз ёшларигача, ошкора ва пинҳоний алам-армонларгача – барчаси умр китобининг қадрдон саҳифалари эди..* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

Пинҳоний бозор Қонунчилик томонидан тақиқланган товар ва хизматлар билан олди-сотди қилиш, шундай фаолият билан шуғулланиш.

ПИОДЕРМИЯ [*юн.* pyon – йиринг + derma – тери] *тиб.* Терининг йиринг ҳосил қилувчи микроблар қўзғатадиган йирингли яллиғланиш касаллиги.

ПИОНЕР [*фр.* pionnier – бошлаб берувчи; ташаббускор] **1** Фан, техника, санъатда, умуман, тадқиқ қилинмаган муайян соҳада йўл очиб, бошлаб берган киши. *Космосни ўзлаштириш пионерлари.*

2 *тар.* Шўролар даврида (1922–91 йилларда): болалар пионер ташкилотининг аъзоси. *Пионерлар отряди.* ▬ *Пионер ва ўқувчиларнинг бу севимли ансамбли [«Пахтаой»] бу йил қатор янги номерларни ўрганди.* Газетадан.

ПИПЕТКА [*фр.* pipette – найча] *тиб.* Бирор миқдор дорини тортиб (сўриб) олиш ва томизиш учун ишлатиладиган, бир томонига оғзи берк резина қалпоқча кийдирилган шиша найча. *Мирвали уни [тугунни] Расулбекнинг қўлидан олиб очди. Кичкинагина пенициллин шишасида қандайдир оппоқ суюқлик эди: -Асаларининг сути. Пипетка билан тил тагига томизиб, бирон соат суюқлик ичмай турасиз.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПИР I [*ф.* پیر – кекса, қари; диний мазҳаб, тариқат асосчиси; ҳунармандлар саркори] **1** Узоқ умр кўрган киши; кекса (**қари 2**).

Пири бадавлат Узоқ умр кўриб, болаларини уйлаб-жойлаб, роҳатда-фароғатда яшаётган киши. *-Қўчқордек ўғилларнинг соясида пири бадавлат бўлиб яшанг, – деди Эргаш Қоратойга.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Илоҳим, пири бадавлат бўлгин, мени*

иззат қилсанг, сани худо иззат қилсин, — деб дуо қилди Бўрихўжа Валижонни. Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Пири бадавлат отахону онахонларимиз жуда кўп.* Газетадан.

2 Диний мазҳаб бошлиғи, диний раҳбар. *Худо хоҳлаб, пирлар мададкору азиз авлиёлар қўллаб юборса, ҳаммасини даф қиламиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *«Қоч, йўлни бўшат, пирим келяптилар!» деб кимгадир ўшқирган..* К. Яшин, Ҳамза. *Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлиб, овимиз бароридан келсин.* Ҳамза, Танланган асарлар.

Ё пирим *қ.* **ё** III. *Ё пирим! Шарманда қилма! (Битта-битта кетадилар).* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Бирор касбнинг асосчиси, ҳомийси деб тушуниладиган, кўпинча, афсонавий ва афсоналаштирилган шахс. *Мискарлар, чегачилар, тунукасозлар кўп антиқа гапларни, ҳар қайсилари ўзларининг пирларини, рисолаларини яхши биладилар.* Ойбек, Болалик.

4 *кўчма* Бирор иш, касб ёки соҳани жуда яхши эгаллаган, шу соҳада ўта моҳир уста киши, устоз. *Бундай раҳбарлар, гўё ҳамма соҳанинг пири ҳисобланадилар.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. -*Боланг бой бўлгур Шоди ошпаз бу касбнинг зап пири-да! — чолнинг таърифини келтиришади чинорликлар..* «Ёшлик». *Улар ўрни келса, отаси экан-у, ҳатто пирининг ҳам бетига қоракуя чаплаб, мақсад сари талпинади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Пир урган Энг ёмон, арвоҳ урган, ярамас. *Зиқнанинг пир ургани эди. Хасислигини, исқиртлигини ҳамма билади. Кимсан — терифуруш фалончи бой!* Ойбек, Танланган асарлар.

ПИР II: **ҳафсаласи пир (бўлмоқ)** 1) ишончи, эътиқоди йўқолмоқ, кўнгли қолмоқ. *Энг ишонган кишисидан ҳам ҳафсаласи пир бўлибди.* ▬ *У ёзибди: Баракалла, ўртоқ шоир, Қани дўстлик, оғайнилик, ҳафсалам пир.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Болаликдан кўз очиб кўргани туя ўркачидай ҳайбатли тепаликларни эмас, кафтдек текис даштни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.* «Ёшлик»; 2) ҳафсаласи, интилиши, иштиёқи йўқолмоқ. *Ишдан ҳам ҳафсаласи пир бўлибди.* ▬ *Кўрса, ҳафсаласи пир бўлиб, қўли ишга бормай қолади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПИР III *тақл. с.* Майда қушларнинг қанот қоқишидан, паррак кабиларнинг айланишидан чиқадиган товуш. *Чумчуқ пир этса, юраги шир этади.* Матал. ▬ *Қорабайирнинг туёқлари остидан пир этиб бедана учди.* С. Анорбоев, Оқсой. -*Ҳамма сенга ўхшаганми, чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган, — деб кулди Ҳайдар.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ПИРАМИДА [*юн.* pyramis, pyramidos] **1** *мат.* Асоси кўпбурчак, ён ёқлари эса умумий учда бирлашган учбурчаклардан иборат геометрик шакл. *Беш ёқли пирамида.*

2 Шундай шаклдаги жисм. *Кристалл пирамидалар.*

3 Шундай шаклда устма-уст терилган нарсалар. *Гугуртлар пирамидаси.*

4 *қ.* **эҳром**. *Мисрликлар тошдан инсон ақлини лол этувчи пирамидалар яратганлар.* «Фан ва турмуш».

5 *ҳарб.* Милтиқлар тик ҳолда териб қўйиладиган махсус қурилма, шунингдек, учлари туташтириб тик турғизиб қўйилган милтиқлар. *Милтиқлар пирамида қилиб қўйилди.*

6 Спортчилар бир-бирларини кўтариб ҳосил қилган акробатик ёки гимнастик шакл. *Физкультурачи ўқувчилар пирамидалар тайёрладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Бильярд ўйинининг бир тури, шунингдек, ўйин бошида учбурчак қилиб терилган бильярд шарлари. *Пирамидани бузмоқ.*

ПИРАМОН [*ф.* پیرامن — атрофида, теварак-атроф; доира, айлана] **1** Дераза ёки эшик тепасидаги ганч ёки тахтадан қилинган энсиз токча. *У деразадан ёғаётган қорга, дарахтларга, дераза пирамонида жунжиб ўтирган икки мусичага тикиларди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Токчалар ва пирамонларнинг зиҳлари ганчдан қабартма қилиб ишланган эди.* М. Осим, Ўтрор.

2 Бўғот остидаги бўш, очиқ жой. *Айвон пирамонига хас ташиётган бир жуфт мусича супа атрофида беозор айланиб юрарди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ПИРЗОДА Пирнинг ўғли, меросхўри; пирларнинг пири. *Мен сизларнинг пирзодаларингиз бўлиб туриб, сизларга ёмонлик тиламайман.* У. Исмоилов, Сайланма.

ПИРИЛДОҚ Шамол, пружина ёки қўл кучи билан ҳаракатга келиб, ўз ўқи атрофида тез айланадиган ўйинчоқ.

ПИРИЛЛАМОҚ 1 “Пир-пир” овоз чиқариб, тез қанот қоқмоқ ёки айланмоқ.

Пирилдоқ пириллаб айланмоқда. ▬ *Қуш ҳам итга тутқич бермай, яна пириллаб учди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Толибжон вентилятор вилкасини розеткага тиқиши билан, урчуқ пириллаб айлана кетди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Титраганнамо ҳаракат қилмоқ, ҳилпирамоқ. *Шамол стол устидаги дафтар, китобларнинг саҳифаларини шитирлатиб варақлади, дераза пардаси бетўхтов пириллай бошлади.* Ф. Мусажонов, Дарадаги қишлоқда. *Майин ел шивирлаб, бошингдан эсса, Рўмолинг пириллаб ўйнаб кетади.* Уйғун.

3 Пирпирамоқ, учмоқ (мас., киприк, мушак ҳақида). *Чолнинг кўзлари асабий пирилладди, туриб, аста уйга кирди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Салимбойваччанинг кўзлари олакула бўлиб, юзидаги гўштлари пириллади, Бу қандай гап?* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг [кампирнинг] этсиз лаблари асабий пириллар, пешонабоғи елкасига осилиб тушган, қақшоқ оёқлари яланг эди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

4 Майда қадам ташлаб, тез юрмоқ; пилдирамоқ. *Бобомирзо елкасида сочиқ, олдида фартук, дўпписини яримта қилиб, пириллаб юрибди.* И. Раҳим, Тақдир.

ПИРИЛЛАТМОҚ 1 Пирилламоқ фл. орт. н. *Бола пирпиракни пириллатиб югуриб кетди.* ▬ *Улар киприкларини тинмай пириллатиб, соқчилик қилардилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тез, ғириллатиб олиб кетмоқ, олиб бормоқ. *Алижон ўз кучига ишониб, бир обкаш сувни пириллатиб олиб кетиш билан мақтанадиган, кучини мансаб билиб юрадиган йигит эканлигини ҳамма билади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ПИРЛИК Раҳнамолик, диний раҳбарлик; устозлик. *Бизларга пирлик қиласан. Тағин келиб энди мунда, Шайтондай бўлиб озғирасан.* «Фольклор».

ПИРОВАРД [*ф.* پیرآورد – бажариш, адо этиш, охирига етказиш, тугаллаш] Тугалиш, охир, ниҳоя, сўнг. *Гапнинг пироварди. Иш пировардига етди. Ўқишни пировардига етказмоқ.* ▬ *Элмурод мактубни шеър ўқигандай ўқиб келиб, пировардида баландроқ овоз билан тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йиғилиш пировардида Қодирқулнинг шубҳаси чиппакка чиқди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ. *«Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида.* Газетадан.

ПИРОГ [*р.* пирог < пир – «базм, зиёфат» с. дан] Қийма, мева, қиём ва ш. к. солиб, духовкада пишириладиган егулик. *Гўштли пирог. Ширин пирог.* ▬ *Қовурилган кўкдан кўк сомса, кўк чучвара, кўк пирог каби таомлар тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПИРОЖНИЙ [*р.* пирожное < «пирог» с. дан.] Ёғ, сут, тухум ва шакар аралаштириб қорилган хамирдан турли шаклда тайёрланган, баъзан юзига кремдан гуллар солинган қандолат маҳсулоти. *Муборак ишдан қайтаётиб, йўл-йўлакай болаларга пирожний олмоқчи бўлиб, магазинга кирди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ПИРОТЕ́ХНИК Пиротехника мутахассиси.

ПИРОТЕХНИ́К Пиротехникага оид, алоқадор, пиротехникага асосланган. *Пиротехник воситалар.* ▬ *Пиротехник воситаларни ўйнаш оқибатида содир бўлаётган кўнгилсиз ҳодисалар кузатилмоқда.* Газетадан.

ПИРОТЕХНИКА [*юн.* pyr – ўт, олов + техника] Портловчи, ёнувчи ва тутовчи аралашмалар, сигнал берувчи ракеталар, мушаклар тайёрлаш ва уларни амалда қўллаш билан шуғулланувчи техника тармоғи.

ПИРОҚ [*асли* **буроқ**] *фольк.* Афсонавий учар от. *Асли зотинг сенинг пироқ, Арзирум шаҳар кўп йироқ; Келгин юганга сен тезроқ.* «Нигор ва Замон». *Эшон бедовга қамчилар уриб, тинмайин чўлда юриб, чоптириб пироқ отди, кун тушликда Майманоққа етди, супа бўйида отни тўхтатди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Ёнида бор кесадиган яроғи, Юлдузни кўзлайди минган пироғи.* «Эрали ва Шерали».

ПИР-ПИР 1 Пир III с. такр. *Чумчуқлар пир-пир учмоқда.*

2: пир-пир учмоқ Пирпирамоқ, титрамоқ (қош, киприк, мушак кабилар ҳақида) *Илҳомжоннинг қалин қовоқлари пир-пир учди, кўзойнаги устидан отага қаради.* С. Нуров, Нарвон. *Ўнг ёноғининг пир-пир учишидан нимадандир қаттиқ жаҳли чиққани кўриниб турарди.* «Ёшлик».

ПИРПИРАК Тўрт қанотли паррак шаклида қоғоздан ясалган, шамол ҳаракати

билан пириллаб айланадиган ўйинчоқ. *Шу саволлар кўнглида пирпирак бўлиб айлангани сари, Аъзам кўзига баттар бадбашара кўринаверди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ПИРПИРАМОҚ 1 Кўз илғамас даражада тез-тез ҳаракатланиб, силкиниб, елпиниб турмоқ, ҳилпирамоқ. *Ойнинг дастлабки шуъласи тўғоннинг тепасида пирпираб турган байроққа тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Уларнинг тепаларида.. кўк ва қизил рангдаги ҳисобсиз қоғоз гуллар, оёқларидан илинган қушчаларга ўхшаб, пирпираб турадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Титрашга ўхшаш ҳаракат қилмоқ, учмоқ (мушак, қош, кўз кабилар ҳақида). *Барно эса биринчи тўртликдан кейиноқ бурун катаклари пирпираб, ерга қараб қолган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Қизнинг узун, қора киприклари пирпиради.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. -*Нима дейсан? — Алимардон кескин бурилиб қаради-ю, хотинининг лаблари пирпирай бошлаганидан, қўпол гапириб юборганини сезди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИРПИРАТМОҚ Титрашга ўхшаш ҳаракат қилдирмоқ. *Эргаш кипригини пирпиратиб, дўкондорга яна тикилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Исмоил Ойша холага жавдираб бир қаради-ю, кўзини пирпиратиб, юзини четга бурди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ПИРРА 1 Карталар сони ва айрим хиллари ҳисобига очко йиғишдан иборат карта ўйини.

2 Шу ўйиннинг ютуқ билан тугалланиши.

Пирра қилмоқ 1) белгиланган миқдорда кўп очко тўплаб, маррага етмоқ, ютмоқ; 2) *кўчма* қойил қилиб бажармоқ, дўндирмоқ. *Паловхонтўра, қайнатма шўрва, чучвара ва ҳоказо.. овқатларни пирра қилади, қўлинг дард кўрмагур!* М. Муҳамедов, Мулзам.

ПИРС [*ингл.* pier (*кўпл.* piers) — устун; пристань] Портда қирғоққа қурилган, кемалар икки томондан келиб тўхтаб турадиган гидротехник иншоот.

ПИРСИЁН [*р.* персианин — форслик, эроний (Форс — Эроннинг қадимги номи)] *с. т. эск.* Келиб чиқиши эронлик, Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида яшайдиган, форсий тилда сўзлашадиган халқ вакили; форс, эроний. *У ўзбекка ҳам ўхшамайди. Ё армани, ё пирсиён бўлса керак бу хотин.* С. Зуннунова, Гулхан. *Аравадан иккита арманинамо пирсиён башара йигитлар тушиб эрдилар, фақир, улуғларимиздан бўлмағай, деб тавозе қилдим.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПИРСИЛЛАМОҚ "Пирс-пирс" товуш чиқармоқ. *Ҳўл ўтин пирсиллайди.*

ПИРС-ПИРС *тақл. с.* Паст узуқ-узуқ эшитиладиган товуш. *Жиққа ҳўл ўтин ёлғиз "пирс-пирс" қилиб, аччиқ заҳар тутун буруқтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПИРТ *тақл. с.* Игна, мих каби нарсалар санчилганда ёки тортиб олинганда, данак сингари нарсалар ситиб чиқарилганда эшитиладиган товуш. *Игна пирт этиб санчилди. Олча данаги пирт этиб учиб кетди.*

ПИРТИНГ-ЧИРТИНГ *с. т.* Унчалик муҳим бўлмаган, арзимайдиган, бўлар-бўлмас, беҳуда; майда-чуйда. *Пиртинг-чиртинг гаплар. Пиртинг-чиртинг ишлар билан овора бўлмоқ. Пулни пиртинг-чиртинг сарф қилмоқ.*

ПИРХОНА [пир + хона] **1** Пир (*қ.* **пир 1**)нинг даргоҳи, пир яшайдиган хонадон.

2 Пирнинг назари тушган ёки қадами теккан, муқаддас ҳисобланадиган жой, макон, хонадон. [*Мирзакарим:*] *Шундай пирхонани қўйиб, бошқа жойни нима қиласан.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *[Этикдўз:] Билансан-ку, сендан бошқа одамни бу пирхонамга, устахонамга қўймайман.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ПИРҚ *тақл. с.* Бурун тортганда ёки йиғлаганда димоғдан чиқадиган узуқ-узуқ овоз. *Пирқ этиб йиғлаб юборди.*

ПИРҚИЛЛАМОҚ Бурнидан пишқирган овоз чиқармоқ, пишқирмоқ. *Йўлга тушди қирқ ботир, Бедов отлар пирқиллаб.* «Хушкелди».

ПИРҚИРАМОҚ *айн.* **пирқилламоқ.** *Ғиркўк от ғирқирайди, Ўқталиб пирқирайди, Олисни кўзлаб бедов, Чопмоққа зирқирайди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ПИРҚ-ПИРҚ Пирқ с. такр. *Пирқ-пирқ йиғламоқ.*

ПИС *тақл. с.* Тор тешикдан ҳаво, буғ, газ чиққанда, чўғга сув сепилганда эшитиладиган товуш. *Велосипед камерасининг дами пис этиб чиқиб кетди.* ▬ *Дала ошхонасидан аҳён-аҳён тушаётган чўғ ёмғир тегиб, пис этиб ўчиб, кўмирга айланарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ПИСАНД [*ф.* پسند — маъқуллаш, ижобий фикр; маъқулловчи, мухлис; мамнун] (*фақат*

бўлишсиз шаклда) Диққат-эътибор, назар-эътибор. *Хон ҳеч қулоқ солмади, Писандига олмади.* Ҳ. Олимжон. *Бошқа болалар мана мени қанча уйларига чақирсалар, зиёфат қилсалар ҳам, сени бу остонангча писандимга келмайди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

Писанд эмас 1) кўнглига сиғмайди, кўзига кўринмайди. *Унга ҳозир уй ҳам, боғ ҳам, машина ҳам писанд эмас;* 2) назари илмайди, менсимайди. *Унга ҳеч ким писанд эмас;* 3) ҳеч гап эмас, осон. *Бу иш менга писанд эмас.* ▬ *Бизга, опа, мол-жон писанд эмас. Менга келинингизни бир кўриш минг подшоҳликдан афзалроқ.* Ҳамза, Танланган асарлар. -*Дунёда одамнинг қўлидан келмайдиган иш бор эканми! Фақат истак бўлсин, кўпчиликка ҳеч нарса писанд эмас, — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Писанд қилмаслик** Назарга илмаслик, менсимаслик. *У ҳеч кимни писанд қилмайди.* ▬ *Шундай казо-казоларнинг қизлари Пошшоойимлар, Хонзодалар қоқ саҳар туриб, хизматимга ҳозир бўлса-ю, сен бенасаб, исқирт, атлас кўрпада мени писанд қилмай, хуррак отиб ётсанг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ғозиддиннинг назарида, уни фақат бир киши — Қодиржон четдан кузатиб, мунтазам таъқиб қилгандек эди. У аслида Қодиржонни писанд қилмас, одам ўрнида ҳам кўрмасди.* О. Мухтор, Эгилган бош. *Бу бўлса бизни писанд қилмайди, бу ерда ит ўлтирганми, эшак ўлтирганми — парвосига келтирмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ПИСАНДА [*ф.* پسنده / پسندیده — дидга тўғри келган, мақбул; мақтовга, маъқуллашга сазовор] **1** Олдиндан қўйилган талаб, шарт. *Уларнинг ўзаро писандаларига мувофиқ, янги ерлар, чиқариладиган сувлар Тешабойга текин ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Талаб ёки шарт тарзида айтиладиган баҳона.

Писанда қилмоқ 1) олдиндан бирор талаб ёки шарт қўймоқ. *Шу аснода Даврونга паспортни узатаркан, писанда қилди: -Энди сизга гап шу, ака: бундан кейин ичган пайтингизда кўча-кўйда санқиб юрманг.* Н. Қиличев, Чиғириқ; 2) таъкидламоқ; луқма ташламоқ. -*Кори хайр иши давлатга қарамайди, оғайни, — писанда қилди мулла Бердиёр, — ҳимматга қарайди, ҳимматга.* «Муштум».

ПИСИЛЛАМОҚ Паст оҳангда, "пис-пис" овоз чиқармоқ. -*Ҳа, — деди Баширжон писиллаган овоз чиқариб. — Сизга қарғанинг умрини тилайман.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Бошлиқнинг писиллаб гапираётганидан Солиҳов батамом ҳайрон қолди..* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳар бир челак сув сепилганда, олов харилар, синчларнинг қолдиқларида писиллаб ўчар, бир оз тутун сочиб, кейин бутунлай жимиб қоларди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ПИСКА *с.т.* Соч-соқол олиш ва бошқа мақсадларда ишлатиладиган хавфсиз устарага ўрнатиладиган, ҳар икки қирраси ҳам ўткир, тўртбурчак юпқа пўлат пластинка. ..*Ёки қозонлик бир пенсионер қандай қилиб қўлига пискани олганини ва ўз томирини кесмоқчи бўлганини ўзи сезмайди.* Газетадан.

ПИСМИҚ Мақсадини, сирини бировга айтмайдиган, индамай иш битирадиган, ичидан пишган (одам). *Писмиқ одам. Содда сири тилида, писмиқ сақлар дилида.* Мақол. ▬ *Кундошингнинг кўриниши баёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан.. Бундай одамдан, албатта, ҳазар керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Соддадил ва кўнгилчан Раҳим акани, писмиқ ва юмшоқсупурги Ибодовни, серғайрат ва уддабурро Халил акани ҳам эслади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ПИСМИҚЛИК Писмиққа хос хусусият. *Кимдир* [*Шамсининг*] *писмиқлигига мослаб, "фитнаи охир замон" деб лақаб қўйибди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. -*Очиқ ҳаракат қилишга.. халқдан қўрқадилар. Писмиқлик билан, кўзбўямачилик билан иш кўрадилар, — деди Алексей.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПИСМОҚ 1 Ўзини панага олмоқ; бекинмоқ, яширинмоқ. *У, жўралари билан атрофи яшил чакалак билан ўралган гулзор яқинида писиб ўтирганча, қушни томоша қиларди.* С. Нуров, Нарвон. *Пулемёт уяси.. бурчакларида писиб ётганларнинг [немисларнинг] учтаси ўлиб, биттаси ярадор бўлган.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Баҳодир йигит оёғи учида турган гранаталарни олиб, чаққонлик билан душманга қарши ирғитди, ўзи эса траншеяга писди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.

2 Индамай қолмоқ, жим бўлмоқ. *Муҳсина хоним бирдан писиб қолди. Яхшибоев ичида кулди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Ошно, қишлоққа кетаман, деб ғингшимоғи мумкин, лекин унини ўчириш қийинмас — Майрани бир эслатсам бас, писиб қолиши тайин.* М. М. Дўст, Лолазор.

ПИС-ПИС Пис с. такр. *Уй ичида жинчироқ липиллаб турар, ўртада пис-пис қилиб ҳўл ўтин – гулхан ёнмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ПИСТА [*ф.* پسته] **1** *бот.* Жануб тоғларида ўсадиган паст бўйли, ёнғоқмевали дарахт ёки бута. *Табиатнинг меҳри билан ясалган кўм-кўк арчазорлар ва тоғ ариқларидаги жарлар ёқасида саф тортган писта зумраддек товланиб, кўзни қамаштирар эди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

2 Шу дарахтнинг қаттиқ қобиқли меваси. *Одам одам билан, Писта бодом билан.* Мақол. ▬ *Лекин писта, бодом, майиз, жийдани кўриб, тарвузим қўлтиғимдан тушди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ана ширинлик, мана ширинлик, деб мураббою нишолда, пистаю мағиз, қанд-қурс, яна алланималарни ҳеч суриштирмасдан, аралаш-қуралашига покпокиза тушираверибди.* Н. Мақсудий, Мечкай эшон.

Хандон писта *қ.* **хандон.** *Жигару буйрак, думба ёғдан тайёрланган қўшалоқ пармуда сомсалар, хушбўй мураббалар, Бешкарамнинг анорию, Файзиободнинг тилёрар қовунлари, хандон писта, майизларнинг энг тозалари, яхна гўшт..* «Ёшлик».

3 *с.т.* Кунгабоқарнинг хом ёки қовурилган уруғи. *Бир вақтлар эри урушда ўлган хотин шу тош устида ўтириб, писта сотарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Писта даҳан Оғзи пистага ўхшаш кичик ва келишган. [*Холмат:*] *Оби равон.. писта даҳан, нозик адо, пари жаҳон, яъни исм шарифлари Жамилахон.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Писта кўмир** *қ.* **кўмир.** *Кейин писта кўмир сўраб кирганимда, бирам бесаранжом эдики ўтинхоналари.* С. Зуннунова, Олов. **Писта пўчоққа жо қилмоқ** (*ёки* **жойламоқ)** Гап билан оғиз очдирмай, бир бурчакка тиқиб қўймоқ.

ПИСТАЗОР Писта дарахтлари билан банд ер, майдон. *Ўрмон хўжалигига қарашли пистазорлар.* ▬ *Тун яримдан оғди. Ой пистазор тоғларнинг орқасига аста-секин яширинди.* Ё. Шукуров, Юраклар така-пука.

ПИСТАФУРУШ [писта + *ф.* فروش – сотувчи] Писта сотувчи киши. *Унинг отаси ҳам пистафуруш эди.*

ПИСТАЧКА [*р.* фисташка < *ф.* پسته] *с.т.* Кунгабоқарнинг уруғи. *Хом пистачка. Қовурилган пистачка.*

ПИСТИРМА 1 Тўсатдан ҳужум қилиш ёки ов пойлаш учун фойдаланиладиган яширин қурилма, жой. *Тулки овлаш учун пистирма қўймоқ. Пистирмадаги овчи.* ▬ *Йўлда бир ёки икки ёнда пистирма бор, пистирмани яхши пойлаб, чап бериб ўтолсанг, қишлоқ йўлига чиқасан.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

2 Шундай мақсад учун белгиланган киши ёки кишилар гуруҳи; ҳарбий бўлинма. *Пистирма қўйган одамларингиз ишончлими?* «Шарқ юлдузи».

ПИСТОЛЕТ [*фр.* pistolet – тўппонча] Яқиндаги нишонга ўқ узиш учун мўлжалланган, ёнда олиб юриладиган қурол, тўппонча. *Етти ўқли автоматик пистолет.*

Пистолет-пулемёт Автоматик равишда бирин-кетин ўқ узадиган, яқин масофадаги жангларда қўлланадиган отиш қуроли; автоматнинг иккинчи номи. *Самолётлар машиналар тўпланган жойга ҳужум бошлаган ҳамон, фронт томонидан кетаётганларнинг бири.. пистолет-пулемётдан ўқ уза бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПИСТОН [*фр.* piston – зарбдор, урувчи, синдирувчи] **1** Патроннинг порохли зарядини ёндириш учун оз миқдорда портловчи модда солиб, ўқ тубига ўрнатиладиган металл косача; капсюль. *Милтиқ ўқининг пистони. Снаряд пистони. Чақилган пистон.* ▬ *Лутфилла боши янчилган илондек тўлғаниб ётар эди, тезлик билан пистони чақилмаган тўппончани олди.* «Муштум».

2 Ўйинчоқ милтиқ ёки тўппончада отиш учун белгиланган, оз миқдорда портловчи моддаси бўлган тангачасимон қоғоз ғилоф.

3 Пичоқчиликда: пичоқнинг дастасига қадалган садафнинг атрофига айлантириб қўйилган ҳалқа-сим (садафни маҳкам тутиб туради).

4 Кийим-кечак, парда ва ш.к. га зийнат учун қадаладиган йилтироқ пластинкача. *Дўппига пистон қадамоқ.* ▬ *У* [*қиз*] *тушаётганда, бошидаги қора тўр пардага қадалган олтин пистонлар йилтираб, жилва сочди.* Мирмуҳсин, Чўри.

Пистон тугма Бир-бирига қадаб қўйиладиган икки қисмдан иборат тугма; шиқ-шиқ тугма.

5 Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобининг ижрочи-созанда қўл билан босиб очиб-ёпиб турадиган тугмаси.

6 Ботинканинг ип ўтказиладиган тешикларига изма ўрнига ўрнатиладиган темир ҳалқача.

ПИСТОҚИ [*ф.* پستهای – оч яшил] Писта мағзи рангидаги, оч баргикарам, очиқ яшил. *Пистоқи ипак.* ▬ *-Кўк, қизил, зангори, сариқ, оқ, пушти, жигарранг, гўлос, пистоқи – борингки, дунёда қанча ранг бўлса.. тўтининг патида бор эди, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Тўй оқсоқоли дарров пистоқи яловни Гўрўғли султоннинг бошига кўтарди.* «Авазхон».

ПИТАК *қ.* **питрак.** *Баширжон кўкрагини столга тираб, бошини юқорироқ кўтарди. Ислом отани кўрган заҳоти хаёлидан, «Ўша питак чол-ку!» деган фикр кечди ва креслога ястаниб ўтирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИТЕКАНТРОП [*юн.* pithekos – маймун + anthropos – одам] Калла суяги тузилиши ҳали одамсимон маймунларникидан фарқ қилмаган энг қадимги одам (суяклари 19-аср охирида Ява оролидан топилган).

ПИТИЛЛАМОҚ *айн.* **питирламоқ.** *Бола онасига кўзи тушиши ҳамон, беланган оёқ-қўлини питиллатганча, бўшатишга уринди.* «Ёшлик».

ПИТИРЛАМОҚ 1 Жон талвасасида ўзини ҳар ёнга урмоқ, сапчимоқ, питир-питир қилмоқ; типирчиламоқ. *Сўйилган товуқни кўрганмисан? Питирлайди, кўтарилиб-кўтарилиб тушади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўчма* Тез, шошилинч ёки безовта ҳаракат қилмоқ, шошилиб, ҳовриқиб қолмоқ. *Оёғи куйган товуқдай питирламоқ.* ▬ *Уйда Анзират кампир билан Ҳожия ўтирарди. Улар аҳволни кўриб питирлаб қолишди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ПИТИР-ПИТИР *тасв. с.* **1** Жон талвасасидаги кескин, нотинч ҳаракат. *Питир-питир қилмоқ. Тўрга тушган бедана питир-питир қиларди.*

2 *кўчма* Тез, шошилинч ёки безовта ҳаракат. *Мунча питир-питир қиласан.*

3 *с. т.* Ўрнида тинч турмайдиган; серҳаракат; ҳар нарсага уринадиган. *Питир-питир бола. Бу одам мунча питир-питир экан.*

ПИТОМНИК [*р.* питомник – тарбияхона, парваришхона < питомец – тарбияланувчи] Ўсимлик ёки ҳайвонлар ўстириладиган ва кўпайтириладиган, ўрганиладиган махсус жой. *Мевали дарахтлар питомниги. Балиқчилик питомниги.* ▬ *Қумлик питомникларида дарахт, бута ва гиёҳлар экиб ўстиришга киришиш керак.* «Фан ва турмуш».

ПИТОН [*юн.* Python – юнон мифологиясида: баҳайбат илон] Бўғма илонлар оиласига мансуб, Африка ва Осиёнинг тропик минтақаларида тарқалган заҳарсиз йирик (1,5 метрдан 10 метргача бўлган) илон тури.

ПИТПИЛДИҚ Беданонинг сайраши, битбилдиқ. *Махсум беданаларнинг питпилдиғига қулоқ солганча.. бир чойнак чойни эрмак қилиб ўтирди.* В. Ғофуров, Вафодор. *Тўқай томонда бедана питпилдиқ отади. Кунботар уфқда тиллақошдек нозик ой ялтираб турибди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПИТПИЛИҚ *қ.* **питпилдиқ.** *Ҳа, субҳи козибда эмас, субҳи содиқда, хўрозлар қичқирар-қичқирмас.. тезотар беданалар на тун демай, на тонг демай «вавағ-вавағ, питпилиқ-питпилиқ»лаб сайраб турган бир паллада.. тўрт аскар ошналарининг қўрғонига етиб келишганди.* «Ёшлик».

ПИТРА Ов милтиқ ўқи ва снарядлар учун ишлатиладиган юмалоқ қўрғошин донаси; сочма ўқ. *Майда питра. Гильзага питра солмоқ.* ▬ *Йирик питра ўнг елкасини титиб юборганди.* «Шарқ юлдузи».

ПИТРАК *шв.* Серҳаракат, уринчоқ. *Тиниб-тинчимас, питрак бу кампирнинг бошида дунёнинг ташвиши: эртадан кечгача югуриб-еларди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Аслида Ғозиддиннинг кичик жуссали, питрак қариядан қўрқадиган жойи йўқ.* О. Мухторов, Эгилган бош. *Кундуз ёш бўлса ҳам, жуда питрак қиз.* Ойдин, Бечора.

ПИТРЎЗА *с.т. айн.* **фитри рўза** *қ.* **фитр 2.** *Валлоҳи аълам, жами мусулмонларга аёндирки, питрўза тўламоқ фарздир.* «Муштум».

ПИХ I Айрим эркак паррандаларнинг оёғида бўладиган мугузсимон учли ўсимта. *Хўрознинг пихи.*

Пихи қайрилган *ёки* **пих(ини) ёрган** Кўп иш кўрган, кўп ишларни бошдан кечириб, айёр, қув бўлиб кетган. *Аммо Ҳожимурод ҳам кўпни кўрган, пихи қайрилганлардан эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Маккор, пихини ёрган айёр қанча ниқобланмасин.. кўп жиноятчиларни чаққонлик билан қўлга туширган изқуварларимизнинг темир чангалидан қочиб қутула олмади.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПИХ II: **пих қилмоқ** *бол.* Кесмоқ, сўймоқ. *Қовунни пих қилмоқ.*

ПИХ III *тақл. с.* Мушукнинг ўз рақибини қўрқитиш учун ҳурпайиб олиб, томоқ қириб чиқарадиган товуши. *Бошқа бири орқадан мушуксимон "пих" деб, мени чўчитмоқчи бўлди.* Ойбек, Болалик.

ПИХ IV *шв.* Пўпанак, моғор. *Пих боғлаган нон.*

ПИХИЛЛАМОҚ 1 Ҳурпайиб томоқ қириб, «пих» деган товуш чиқармоқ (мушук ҳақида). *Мушук итга қараб пихиллади.*

2 Томоғидан бўғиқ товуш чиқариб, хириллаб нафас олмоқ; пихиллаган овоз чиқармоқ, хириллaмоқ. *Қизнинг ич-ичидан қуюндай хуруж қилиб келган аччиқ фарёд бўғзида пихиллаб тинди..* А. Мухтор, Кумуш тола. *Юмалоқ оқсоқол ёқасини ушлаб, бош чайқатди, ҳам одамларга кўз оқини ўйнатиб, пихиллади.* Ойбек, Навоий. *Қассоб пихиллаб кулганича, менинг қўлимдан пулни олиб, зўрлаб, кўкрак чўнтагимга солиб қўйди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИЦЦА [*итал.* pizza] Юпқа хамир устига гўшт, қўзиқорин, сабзавотлар, сир (пишлоқ) қўйиб пиширилган итальянча таом. *Пицца тайёрламоқ.*

ПИЧА *рвш.* **1** Оз миқдорда, озгина. *Икки оқ пиёзни майда тўғради, унга пича мурч сепди, пиёзни гуручнинг бир чеккасига кўмиб, ошдамгирни ёпди.* Ойдин, Йигит. *Маҳаллий аҳолидан алланарсаларни бир неча тухум ва пича ёққа алмаштириб олади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

2 Оз вақт, бир оз, андаккина, андак. *Мингбоши пича кутди, Матқовул гапиравермаганидан кейин, яна бақирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жуда чарчадинг, пича ухлаб, дам олсанг бўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Яна пича вақт кутишди — жимжитлик.* «Ёшлик».

3 Оз даражада, сал(гина). *Кўнглим пича тинчиди.* ▬ *Кундузги ишлари, ниҳоят, ресторандаги суҳбат унинг [майорнинг] кўнглига равшанлик олиб кирди. Иш пича силжиган эди.* «Ёшлик». *Ўзим айтувдим кеча! Кўзибой пича ўзини босиб олди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ПИЧАН Ҳайвонларга озуқа бўладиган ўт; ўриб қуритилган ўт; хашак. *Бир боғ пичан. Пичан ўриш машинаси.* ▬ *Ўртадаги уюлган пичан ғарами олдидан ўтиб, қоронғи уйга кирди.* С. Зуннунова, Олов. *Томга кўпроқ пичан босди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *У бостирма деворига беҳол суяниб қолди. Ичкари қуруқ, пичан иси, ивиган оҳак ҳиди келарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИЧАНЗОР Пичанбоп ўт ўсган майдон; ўтзор. *[Бригадир] Бошида қоракўл телпак, эгнида китель-шим, оёғида туфли, ҳозиргина пичанзордан келгандай.* С. Нуров, Нарвон. *Мана, кўз ўнгимизда қуёшнинг ҳаётбахш тафтига тоб бериб, кенг пичанзор водий ястаниб ётибди.* А. Шермуҳамедов, Ўтўланлар водийси.

ПИЧАНХОНА Пичан сақланадиган хона, бино. *Пичанхонага кириб, эшикни тамбалаб, қалин, майин ва хушбўй пичанга болани кўмди: «Ухла! Йиғлама!»* Ойбек, Қуёш қораймас.

ПИЧИНГ Бировнинг шахсига тегиш, ғашини келтириш, масхаралаш учун айтилган илмоқли гап; қочирим, қочириқ. *Бу пичинг Назирийнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Лекин бу ерга у Ҳамза билан жиртак отишга келмаган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Мансур Талъатнинг пичингини тушунмай, кескин қадамлар билан уларга эргашди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Уста юрагидаги гапларни кўпчилик ўртасида бирма-бир айтиб ташламоқчи эди, аммо раиснинг пичинги шаштини қайтарди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

Пичинг отмоқ (*ёки* **қилмоқ)** Бировнинг шахсига тегадиган, ғашини келтирадиган ёки масхаралайдиган илмоқли гап айтмоқ. *Автобус ичида олатасир бошланди. Ким сўкинди, ким пичинг отди. Ким тақдирга тан бериб, муросаи мадорага чақирди.* М. Мансуров, Ёмби. *Бора-бора Азиза ҳам уни жеркийдиган, ҳар гапида пичинг қиладиган бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Ҳай, эссиз, сўл кўзингни ҳам кўр қилиб қўйганимда бўлур эркан, — дея пичинг қилди Темур Малик душманига қараб.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ПИЧИНГЧИ Пичинг қилишни яхши кўрадиган, пичингга одатланган киши. *Ойхон эса кутади, аяси — ёнида, интизорликда бўйи чўзилиб, эси кириб, Саттор акасининг қадрига етадиган бўлиб қолади бу пичингчи..* А. Мухтор, Кумуш тола.

ПИЧИР 1 Сўзловчи билан тингловчидан бошқа одам эшитмайдиган қилиб, паст

овоз билан айтилган гап, пичир-пичир, шивир-шивир. *Гапнинг ёмони пичир, этнинг ёмони қичир.* Мақол. ▬ *Ёнимда ўтирган икки қизнинг пичири қулоғимга чалинди.* М. Жалолиддинова, Журъат.

2 Бошқалар эшитмайдиган даражада паст овоз. *-Касали нима экан, озиб кетибди келинчак онамиз? — пичир билан сўради Салимбойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПИЧИРЛАМОҚ Бошқалар эшитмайдиган даражада паст овоз билан гапирмоқ; шивирламоқ, шивир-шивир қилмоқ. *-Мамажон ўрнидан туриб, орқароқда елкасини қисиб бораётган агрономнинг тирсагидан ушлаб, қулоғига пичирлади.* С. Нуров, Нарвон. *Абдували ўн сўмлик, беш сўмлик, уч сўмлик пулларни олиб, пичирлаб санай бошлади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *-Билганини қилмайдими! — пичирлади Муқаддам ўкинч билан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИЧИРЛАШМОҚ **Пичирламоқ** фл. бирг. н. *Шу гапдан кейин кампир Инобатга унча рўйхуш бермай қўйди. Аммо олти овсин ҳар куни пичирлашиб, ниманидир маслаҳат қилишарди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Озодахон чолғучилар билан янги айтиладиган қўшиқ ҳақида пичирлашиб турган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИЧИР-ПИЧИР **Пичир** с. такр. **1** Шивирлашиб сўзлашганда чиқадиган паст товуш. *Ўртанча овсин айвонни супуриб бўлиб, сават кўтариб, кўчага чиқиб кетиши билан, қолган олти овсин супага чиқишди. Пичир-пичир қилиб, узоқ гаплашишди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Ўтириб, китобни тиззасига қўйди ва пичир-пичир дуо ўқиб, юзини сийпади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ўзаро хуфия гап; шивир-шивир. *Орқасидан пичир-пичир қилиб қолишди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Нодира хола ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг қулоғи остида домланинг ғўнғир-ғўнғир, пичир-пичири эшитилгандай бўлди.* «Муштум».

ПИЧМОҚ *шв.* Бичмоқ. [*Алиохун:*] *Сизни эгам сўзга пичиб қўйган экан-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *Авзойимизни кўрган киши, индамасдан ҳаммангнинг ишингга нарх пичиб қўя қолади.* И. Раҳим, Ихлос.

ПИЧОҚ **1** Дастага ўрнатилган ясси ва узун тиғли рўзғор асбоби. *Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. *Ўтмас пичоқ қўл кесар.* Мақол. *Яхши гап билан илон изидан, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.* Мақол. ▬ *Зокир ота қочиш йўлларини яхши уқтиргач, йиртиқ кўн этигининг қўнжидан бир пичоқни олиб, секин менга узатди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар. *Тўланбой сўрида чордана ўтириб олган, пичоқни тахтага тақ-тақ тегизиб, сабзи тўғраяпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

Пичоқ тортмоқ (*ёки* **қўймоқ**) Пичоқ билан кесмоқ, сўймоқ. *Мабодо ҳўкиз ёмонлаб қолгудай бўлса, бориб, дарров бўғзига пичоқ тортиб юборасан.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *тех.* Турли асбобларнинг кесувчи қисми. *Гўшт қиймалагич пичоғи.*

Пичоқ (бориб) суякка етмоқ (*ёки* **тақалмоқ**) Чидам, бардош тугамоқ. *Пичоқ бориб суякка етгандан кейин, нима қилсин бечора халқ..* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳожиона.. Йўқ, пичоқ бориб суякка тақалди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Пичоқ учидай** Озгина, зиғирдай. *-Эй ўртоғей, — деди у, — нимасини сўзлайсиз, шу замоннинг қизларида пичоқ учидай шарму ҳаё қолмади.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. **Пичоққа илинмайди** Арзимайди, арзигулик ери йўқ, арзигудай эмас. *Пичоққа илинмайдиган ҳосил.* **Пичоғи кескир** Ўткир, гапи бировларга ўтадиган киши. *..Ҳожимурод эса пичоғи кескир раислар қаторида юрарди. У райком секретари билан прокуратурадан бошқа раҳбарларни раҳбар қаторида кўрмасди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. **Пичоғи мой устида** *қ.* **мой.** *-Ҳа, Содиқжон бойваччага худо берган, — деди Бўронбой учурик қилиб, — ҳамиша отган ошиғи олчи, пичоғи мой устида одам у!* К. Яшин, Ҳамза. **Ўтмас пичоқ билан сўймоқ** Чидаб бўлмас даражада азобламоқ. [*Одилжон:*] *Қаёқдан ҳам тўйда ўша қиз билан ашула айтдим, ўйин тушдим, ўшандан бери Гулчеҳра мени ўтмас пичоқ билан сўйиб юрибди.* У. Назаров, Ғурур.

ПИЧОҚБОЗЛИК Бир-бирига пичоқ уриш, пичоқ билан ҳужум қилиш. *Йўқ, масалан, қиличбозлик, пичоқбозлик ҳам жанг, ҳозир одам бамисоли чумолидай бўлиб қолдику.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Улфатлар орасида низо чиқиб, муштлаш, пичоқбозлик бошланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ПИЧОҚЛАМОҚ Пичоқ билан жароҳатламоқ ёки ўлдирмоқ, пичоқ урмоқ, суқмоқ. *Агар эрим билиб қолса, нақ икковимизни пичоқлаб ташлайди-я.* С. Аҳмад, Уфқ. *Энди мактабга кирганимда, кайф устида отамни пичоқлаб қўйишди-ю, ёлғиз қолган онам*

мени олиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёдгор ота қозихонада ўзини пичоқлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қизлар.

ПИЧОҚСОЗ *қ.* **пичоқчи.** *Бугун пичоқсозлар бозори гавжум.*

ПИЧОҚЧИ Пичоқ ясовчи ҳунарманд, пичоқсоз уста. *Пичоқчи уста.* ▬ *Кези келса пичоқчи, кези келса сувоқчи.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ПИЧОҚЧИЛИК 1 Пичоқ ясаш билан шуғулланиш. *Пичоқчилик қилмоқ.*

2 *тар.* Бозорда пичоқчилар растаси.

ПИШАК [*ф.* پشک / پوشک – мушук] *шв.* Мушук. *Баширжон: «Нега пишак шоколад емас экан-а?» дея ўйлай бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Индан чиқиб, пишак билан ҳазиллар, Магар ажал қўмсаб келса сичқонга.* «Алпомиш».

Пишагини пишт демоқ *айн.* **мушугини пишт демоқ** *қ.* **пишт.** *Ишда ҳам биров пишагини пишт демайди. Эрталаб туриб, далага йўл олади. Чарчадим демайди, ишим бор, жавоб беринглар, деб ҳеч кимдан илтимос қилмайди.* «Ёшлик».

ПИШАНГ *эск. айн.* **ричаг.** *Яна тушки сменага ўтган кунларимиз эди. Вишканинг тепасидаги пишангнинг ўқи сал қийшайиб қолган экан.* П. Қодиров, Қадрим.

Пишанг бермоқ Бирор хатти-ҳаракатга ундамоқ; атайлаб гижгижламоқ. *Балки Раим оқсоқолнинг ўзи Шукур баззозга пишанг бергандир. Бунисини Раим оқсоқол айтмайди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. *Мамат қассоб, одатда, муштлашувга аралашмайди, бир четда ўғилларига пишанг бериб туради.* «Ёшлик». *Ашур ҳамишаги чапдаст усулларни қўллай-қўллай, рақибининг солқи белбоғидан илиб олди. -Қайтариб бос? – дея пишанг берди кимдир баралла.* «Шарқ юлдузи».

ПИШИЛЛАМОҚ Бурун орқали ”пиш-пиш” товуш чиқариб нафас олмоқ, «пиш-пиш» товуш чиқармоқ. *Нафиса уйғониб кетиб, аллавақтгача хомуш ўтирди. Пишиллаб ухлаётган ўғлини тўғрилаб, устига одеял ёпиб қўйди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳожимурод ниҳоятда очиққан эди. Ҳеч қаёққа қарамай, пишиллаб, лунжига овқат тиқарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПИШИЛМОҚ **Пишмоқ** II фл. мажҳ. н., ивимоқ. *Табиат чиндан ҳам бевақт йўлга чиққан бу йўловчини сувга пишилган паррандадек жаблраган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПИШИМОҚ I **1** Ишлов билан ёки ривожланиб етилмоқ, меъёрига, обу тобига етмоқ, фойдаланса бўладиган ҳолга келмоқ. *Лой яхши пишиди. Ип ҳали пишимабди.* ▬ *[Раис:] Қалай? Ерлар кўнгилдагидек пишидими?* Ойдин, Юрагида ўти бор. *Энди тўхта, укажон. Бўлди-е, кувидаги қатиқдай пишийвериб, ёғимни чиқариб юбординг.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 *кўчма* Кўпни кўриб, бошдан кечириб, бой тажриба орттириб вояга етмоқ, етуклик даражасига эришмоқ, етишмоқ. *Шахдам қадам босиб минбарга чиқишидан, гап оҳангидан бунақа даврага кўп тушиб, хийла пишиган, сертажриба кўринади.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

3 Чиниқмоқ, тобланмоқ. *Киши меҳнатда пишийди. Ёшсан пиширсан, бу damingdan туширсан.* Мақол. ▬ *Эргаш Баҳромов немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда пишиди, чиниқди, тобланди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Кўзи пиш(и)моқ *айн.* **кўзи пишмоқ** *қ.* **кўз. Қулоғи пишимоқ** 1) эшитавериб кўникиб қолмоқ. *Хўжайинларининг таъналарини эшитавериб, етимнинг қулоғи пишиган, эти кўниккан эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўп эшитиб уқиб олмоқ, қулоғига қуйиб олмоқ. *Фотиманинг қулоғи ўзи кўрмаган харидорлари тўғрисидаги гаплар билан пиший борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПИШИМОҚ II *кам қўлл.* Пишилмоқ, ивимоқ. *Ёмғирда қолиб роса пишидим.*

ПИШИРИҚ Хамирдан тайёрланадиган турли хил егулик. *Дастурхон башанг: иссиқ нон, патир, хилма-хил пишириқлар, қази-қарта, яхна гўшт, турли ширин нозу неъматларга тўла.* Ойбек, Улуғ йўл. *Баҳор таоми сумалак ва турли ширинликлар, миллий пишириқлар.. ҳиди димоққа урилади.* А. Суюн, Ўзлик.

ПИШИРМОҚ Пишмоқ 1-5, 8-9 фл. орт. н. *Ошни пиширмоқ. Масалани пиширмоқ.* ▬ *У қайроқ буғдой унидан ёғли патир, сомса ёпди, қатламалар пиширди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Гапни аввал Муродова билан пишириб қўйган экансан-ку, нега менга илгарироқ айтмадинг.* И. Раҳим, Ихлос. *Новвот пишириш айниқса қийин.* Газетадан.

ПИШИТМОҚ 1 Пишимоқ 1 фл. орт. н. *Ипакни пишитмоқ. Ерни пишитмоқ. Лойни пишитмоқ.*

Қулоғини пишитмоқ (*ёки* **пишиқтирмоқ**) 1) яхшилаб тушунтирмоқ, миясига қуймоқ. *Мингбоши.. Жўрахонни ҳам сўроққа талаб қилиб қолишлари мумкинлигини ўйламаган эди. Қизининг қулоғини пишиқтириб қўймаганига мана энди афсус еб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) тайинламоқ, уқтирмоқ. *Қулоғини Тулки роса пишитган.* А. Шер, Қадимги куй.

2 Олдиндан гаплашиб, келишиб, маслаҳатни бир жойга, ерга қўймоқ, аниқ, равшан, пухта қилмоқ. *Барака топсин Тошпўлатов, ўшанда ҳам, правление билан, раис билан гаплашиб, Хосият холанинг [сафарга чиқиш] ишини пишитиб берди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Қурилишни эсон-омон тугатиб топширсам, бас, трестга лип этиб ўтаман-кетаман. Кеча борганимда яна пишитдим.* А. Мухтор, Туғилиш.

ПИШИҚ 1 Пишган, пишиб етилган (мева, сабзавот, дон ва ш.к. ҳақида). *Олмани хом, пишиқ аралаш термоқ.* ▬ *[Амлокдор:] Ўғрилар.. подшоҳлик ҳақини аниқламасдан бурун, хом демай, пишиқ демай, кўзга кўринган нарсани еяверасанларми?!* С. Айний, Қуллар.

2 *от* Полиз экинлари, мева, сабзавот кабиларнинг пишган вақти, мавсуми (шу нарсаларнинг номи билан қўлланади). *Қовун пишиғи. Тут пишиғи. Авжи ўрик пишиғи.* ▬ *Буғдой, жўхори пишиғида.. енгил чархини елкасига солиб, ўғилчасини етаклаб, дала айланади, ўроқ чархлайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тут пишиғи эди. Пешиндан кейин ҳовлида картошка чопиқ қилаётгандим.* М. Мансуров, Ёмби.

Етти қовун пишиғи бор Ҳали узоқ, кўп вақт бор.

3 Тезда синмайдиган, йиртилмайдиган, узилмайдиган, бузилмайдиган; пухта, мустаҳкам, қаттиқ, чидамли. *Пишиқ чит. Пишиқ чарм.* ▬ *[Мастон] Оёғидаги пишиқ ағдарма этикни кўздан кечирди.* А. Қаҳҳор, Мастон. [*Унсин*] *Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқлари билан "қир-қир" тортиб қўярди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Эшилган, пишитилган, чийратма.

Пишиқ ип 1) пухта ип. *Чўзаберсанг, пишиқ ип ҳам узилади. Иш, вақтида қилинмаса, бузилади.* «Муштум»; 2) чийратма ип.

5 Ўтда, оловда пиширилган. *Пишиқ ғишт.* ▬ *Хайруллаев олдида Шамси Тўраевич дарвозахонанинг бир бурчагига териб қўйилган пишиқ ғишт уюмини унга [Баширжонга] кўрсатди.* Н. Аминов, Суварак.

6 Жисмоний жиҳатдан бақувват, миқти, чайир. *Қўл олиб кўришар экан, унинг пишиқ жуссасига, болаларча ийманиб турган кўзларига қаради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Вужудидан ўсмир болалардай куч-ғайрат тўлиб турар, гавдаси пишиқ, терилмаган қуюқ қош остида ўйчан юмалоқ кўзлари тимқора бўлиб кўринар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

7 *кўчма* Ўз ишига пухта, бировга сўзини бермайдиган, ҳақини олдирмайдиган. *Пишиқ, сўзамол кампир, ҳар хил баҳона топиб, кунда бир-икки марта бойникига кирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У* [*Абдурасул*] *энди турмушнинг оғир кулфатларини енгиб, пишиқ йигит бўлиб етишган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Пишиқ бўл. Нима мақсадда юрганингни ҳеч ким билмасин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

8 Ўз нарсасини, меҳнатини бировга аноййи қилмайдиган, қаттиқ. *Кузда тоғамдан пул олиб юбораман-да. Лекин қариндошларимиз ўлгудай пишиқ одамларга ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 *кўчма* Асосли равишда ишланган; яратилган; пухта. *Пишиқ асар. Пишиқ иш қилмоқ.* ▬ [*Ҳакимов*] *Эшонбоев тез ўсиб келаётган кадрлардан эканини, анча пишиқ илмий иш ёзганини айтди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Остонбек агрономлик маълумоти борлигига шаҳодатнома олиб келганди, дадаси ўғлининг ишни пишиқ қилганидан хурсанд бўлди.* «Ёшлик». *Бўри Пайғамов, Нусратбекнинг олдин — журналларда жиддий, пишиқ мақолаларини ўқиганда, кўз остига олиб қўйган, бу ерга атайлаб уни кўриш, кўнглига қўл солиш учун кирган эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

10 Зийрак, уддабурон. *Мен бошқа нарса демоқчиман: ишнинг кўзини биладиган одам, пишиқ, хат-саводи бор.. шу одамни секретарликка тавсия қилсак, демоқчиман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Зуваласи пишиқ *қ.* **зувала.** *Лолахон — зуваласи пишиқ, йигитларча абжир қиз, алланималар дея, унга йиғламсираб сўзлаяпти.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ПИШИҚЛАМОҚ 1 Бирор ишни пишиқ-пухта бажариш учун йўл-йўриқ кўр-

сатмоқ; пишиқ-пухта ўргатмоқ, тайинламоқ. *Олдиндан пишиқлаб қўйилган бўлса ҳам, гапидан адашиб кетди.* ▬ *Абди ака бу гапларни айтиб, Пардавойни яна бир бор пишиқлаб, қишлоққа қайтиб кетди.* У. Пўлкан, Бир баҳор достони.

2 Тўғриламоқ, нуқсонларини тузатмоқ; пухталамоқ. -*Оворагарчилиги бор эканми, — деб кесатдим. —Эллик бетини пишиқлаб чиқдим. Бу ёғи битгунча, борини радио-падиога, газет-пазетга пуллаб турамиз.* М. М. Дўст, Лолазор.

ПИШИҚЛИК 1 Мустаҳкамлик, қаттиқлик, маҳкамлик. *Пишиқлик нишонаси бўлган тош ҳам ўзгаради, чунки тошни ташкил этувчи атомлар ҳамиша ҳаракатда бўлади.* А. Е. Ферсман, Қизиқарли геохимия.

2 Ҳаётнинг қийинчиликлари билан чиниққанлик; ўз ишига пухталик. *Унинг [Ҳикоятнинг] пишиқлиги, уддабуронлиги шу ҳолда ҳам сезилиб турарди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқшоми. *Коля ҳам, шунча дадил ва пишиқлиги билан, баъзи саволларга қийналиброқ жавоб қайтарарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ПИШИҚМОҚ 1 *кам қўлл.* Зўриқиш ёки бошқа бирор сабаб билан бўртмоқ. *Унинг* [*Башоратнинг*] *эрталабки совуқдан ва ҳовлиққанидан қип-қизил бўлиб пишиққан лўппи юзида тоқатсизлик билиниб турар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Пишимоқ, чиниқмоқ, тобланмоқ. *Меҳнатда пишиқмоқ.*

ПИШИҚ-ПИШИҚ *рвш.* Гапни ўз ўрнига қўйиб, пишиқ-пухта, бурро-бурро, аниқ-ойдин. *Пишиқ-пишиқ гапирмоқ.* ▬ *Ўзбекча сўзларни секин ва пишиқ-пишиқ айтиб берди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ПИШИҚ-ПУХТА 1 *айн.* **пишиқ-пишиқ.** *Пишиқ-пухта гапирмоқ.*

2 *айн.* **пишиқ 3, 6-10.** *Пишиқ-пухта этик.* ▬ *Мулла Муҳсин Хатиб домла каби пишиқ-пухта, яъни замона ишларига тушунадиган киши эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Улар ишга пишиқ-пухта эдилар; икки савдо ходимининг тили бир бўлса, кўп иш қилса бўларкан.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Ҳабиба Қудратга, пишиқ-пухта, икки юз сўмдан ошиқ маош оларкан, деб дарров унаганди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ПИШИҚЧИЛИК Мева, сабзавот ва ш.к. нинг ғарқ пишган пайти. *Айни пишиқчилик, ҳар уч хонадоннинг бирида базми жамшид.* «Шарқ юлдузи». *Жайнақ Мирзо бу йил ёзнинг айни пишиқчилик чоғида, ўғилларини укаси Ҳалим бойваччанинг ёнида қолдириб, Паркентга хотини билан қизини олиб келди.* «Ёшлик».

ПИШКАК Кув дастаси. *У бошини эгиб, пишкакни жадал ураётганда, узун сочлари олдига тушиб, пишкакка ўралар ва халал берарди.* С. Айний, Дохунда. *У нимчасининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонасига босади, юз-кўзини артади-да, яна пишкак уради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ПИШЛОҚ Сутни махсус усулда ачитиб тайёрланадиган, сирга ўхшаш егулик. *Пишлоққа қўшилган турп ошқозон, жигар, талоқ ва буйрак учун яхши шифо бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Фермамизда сутлардан қатиқ, қаймоқ ишлаймиз, Жангчиларга чарчамай мой ва пишлоқ ишлаймиз.* З. Диёр.

ПИШЛОҚЧИ Пишлоқ тайёрловчи киши.

ПИШМОҚ I **1** Ўсиб, ривожланиб, таркиби яхшиланиб, истеъмол қилиш ёки ишлатиш учун яроқли ҳолга келмоқ, етилмоқ (мева, сабзавот, дон, сув кабилар). *Қулупнай пишди. Помидор пишгани йўқ.* ▬ *Мол ўтмайдиган баландликдаги деворлари ҳам нураган, боғ ичидаги олма ва тоғолчалар эса пишиб ётибди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Мана бу узумни олинг, жуда яхши пишибди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қора гилослар ғарқ пишиб, шохлари томга тушиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Оқар сувларнинг барчаси пишган, ер остидаги кам ҳаракатдаги сувлар хомдир.* Газетадан.

2 Ривожланиб етилмоқ. *Пишмаган новда. Пишган уруғ.* ▬ *Эгатлардаги тутларнинг новдалари пишибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Қайнатиш, қовуриш, димлаш ва ш.к. натижасида истеъмол учун тайёр бўлмоқ. *Палов пишди. Тухум пишди. Нон қизариб пишди. Бермаснинг оши пишмас, пишса ҳам, қозондан тушмас.* Мақол. *Пишган ошнинг умри қисқа.* Мақол. ▬ *Кечки норин учун катта қозонда ёғли қази пишади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қурбоннинг бир томонида пишиб қотиб кетган кабоблар устма-уст тахлаб қўйилган.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Феруз бирла бир хонада ўтириб гурунг этмакка, бир*

қозонда пишган таомни емакка ор қилганими бу? С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Ўтда ишлов еб, зарур технологик хусусият касб этмоқ. *Ғишт яхши пишибди.*

5 Тобланмоқ, қораймоқ; чиниқмоқ. *Офтобда роса пишдик.* ▬ *-Оҳо, агрономча, — деди Ҳамдам қошини чимириб, — далада роса пишибсан-ку.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Ёшлар ишласин, пишсин, энди бизлар чарчаб қолдик, десак ҳам, қари билганни пари билмас, деб юз балога рўпара қилишаверади.* С. Нуров, Нарвон. *Шукуровнинг офтобда пишган қорача юзи, сал қисилган қўй кўзларига чуқур ўйчанлик чўккан эди.* О. Ёқубов, Диёнат.

6 *с. т.* Тўлишиб, ёрилиш даражасига келмоқ (яра-чақа ҳақида). *Малҳам қўйилса, чипқон тез пишади.*

7 *кўчма* Умри охирига етиб, қартайиб, ўлими яқинлашмоқ. *-Ўзи пишиб қолгандай-ку, Назар ака, — дедим. -Қўйинг, уч-тўрт кунлиги борми-йўқми..* М. М. Дўст, Лолазор. *Эшон аянинг бирдан-бир нияти — қўлда қолган қўр-қутларни сақлаб қолиш, пишиб, ҳилвираб турган эшонни ўз масканига қўйиб, бойликларга эга бўлиш.* С. Аҳмад, Ҳукм.

8 *кўчма с. т.* Ҳал бўлмоқ, тайёр бўлмоқ. *Иш пишди — Тешабойнинг ўрнига сизни бригадир қилмоқчи бўлдик.* Уйғун, Дўстлар. *[Эгам хотинига:] Гапни бўлма! Ҳой, нари бор! Иш пишди.* Шукрулло, Сайланма. *Мунаввар, Назокат фожиасини ўз фожиасидай юрагига яқин олди. Шунгами, постановка тез пиша қолди.* С. Анорбоев, Меҳр.

9 *кўчма* Мукаммал ҳолга келмоқ. *Фикрлар пишиб, етилиб, юракдан тўлиб чиқмасидан асар ёзишга, айниқса, уни нашр этишга шошилиш керак эмас.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Бу ҳол Ойбекнинг дастлаб ўз хаёлида пишиб етилган эпизодларнигина ёза бошлаганини кўрсатади.* «ЎТА».

10 *кўчма* Ой-куни яқинлашмоқ. *Шуни яхши билингки, ишингиз энди кўп бўлади. Пишиб турган хотин кўп. Уйма-уй юриб, консультация берасиз.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

Ичи пишмоқ *қ.* **ич.** *Қўзибойнинг ичи пишиб кетаётган эди. У чўққига чиқиб, «Тошбулоқ»ни топишга ҳам, бошқа вақтдагидай, биринчи бўлиш пайида эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Ичидан пишган** *қ.* **ич.** *Аслида Тўпори жудаям унчалик тўпори эмас, ичидан пишган, ўлгудай қув, қувлиги шунчаликки, бирор ўн беш йилдан бери Ошнога довдирроқ бўлиб кўринмоқнинг уддасидан чиқяпти.* М. М. Дўст, Лолазор. **Калла пишмоқ** Уйқуга тўймоқ. *-Калла пишдими, полвон? — деди Тўланбой сабзи тахтадан бош кўтармай.* С. Аҳмад, Уфқ. **Кўзи пишмоқ** *қ.* **кўз.** *Маҳкам устаникида мустақил ишламаган бўлса ҳамки, кўзи пишган, қўли кўп нарсага ўрганиб қолган эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Жанг кўриб, қон тўкиб.. кўзи пишиб кетган Анвар.. бундай пайтда айтиладиган бир оғиз сўз, ҳатто бир имо тақдирни ҳал қилиб юборишини ҳам биларди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПИШМОҚ II **1** Сувга, суюқликка ботириб ҳўл қилмоқ. *Дўпписини сувга пишди.* ▬ *Ойим аралашса ҳам, Солиҳ қўйвормай, мени ҳовузчага пишмоқчи бўляпти.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Унинг очиқ ёқали узун кўйлаги, устидаги олача яктаги сувга пишгандай жиққа ҳўл бўлган..* Ойбек, Танланган асарлар.

ПИШНАМОҚ Оғирлик, иссиқ, совуқ, ҳаяжон таъсирида қизариб ҳарсилламоқ, пишилламоқ. *Шотўра муаллим пишнаб, кўзларини пирпиратар.. эди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *Абдуқодир ярим палла тарвузни кўтариб, пишнаб чиқиб кела бошлади.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ПИШ-ПИШ I *унд. с.* Мушукни чақириш учун ишлатилади.

ПИШ-ПИШ II *тақл. с.* Бурундан нафаснинг бўғилиб, сиқилиб ўтаётганида ҳосил бўлган товуш ҳақида. *Пиш-пиш ухламоқ.* ▬ *Алихон жим қурди чордана, Қур-қур тортди чилимни бирпас. Сиғмай кетди гўё кенг уйга, Пиш-пиш олди чуқур бир нафас.* Ҳ. Пўлат. *Фарзандлари ҳали ўринларидан турмаган, еттовлари бир ўринда.. бири иккинчисининг қорнига бош қўйиб, пиш-пиш ухлашар эди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ПИШПИШЛАМОҚ Пиш-пиш деб айтмоқ. *Мушукни пишпишлаб чақирмоқ.*

ПИШТ *унд. с.* Мушукни ҳайдаш учун ишлатилади. *Мушукка «пишт» демаган товуққа «кишт» дермиди?* Мақол.

Мушугини пишт демаслик Ҳеч қандай озор етказмаслик, қаттиқ гапирмаслик. *..Қаландарлар ҳалқаси дахлсиз эди, хонликда биров уларнинг мушугини пишт демасди.* С. Сиёев, Аваз. *Энди уйга бемалол борсам бўлади, деб хаёл қилди, қани, биров мушугимни пишт, деб кўрсин-чи.* М, М. Дўст, Лолазор.

ПИШҚИРИҚ 1 Бурундан чиққан бўғиқ баланд товуш. *От пишқириғи.*

2 *кўчма* Қаттиқ босим билан пишиллаб чиққан буғнинг кучли товуши. *Паровоз пишқириғидан кишилар бир-бирининг товушини эшитмайди.*

ПИШҚИРМОҚ 1 Бурундан кучли бўғиқ товуш чиқармоқ (от, қорамол ҳақида). *Канадан ҳам кўра сигир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса, қўймайди: бошини силкийди, пишқиради.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *От бўлса, ҳавонинг бузилганини сезибми, йўлнинг ёмонлигидан нолибми, қаттиқ пишқириб қўяркан.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сигир пишқириб, қўлимни ҳам ямлаб ютай деди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Пишқириққа ўхшаш қаттиқ товуш чиқармоқ. *Поезд — гўё улкан тимсоҳ, пишқириб, қирларни чўрт кесиб югурарди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Машина олов отдай пишқириб учади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Паровоз, худди чарчаган отдай, бир пишқириб тўхтади.* Ж. Шарипов, Саодат.

3 *кўчма* Шиддат билан шовулламоқ, вишилламоқ. *Ҳамма пишқириб ёнаётган оловни ўчиришга ёпишди.*

4 *кўчма* Ҳайқириб гапирмоқ, бақирмоқ. *Жавоб ўрнига бошини чайқаб пишқирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У, Зулайҳо Мансурни чақириб борганини эшитган бўлса керак, югуриб келган.. кўзлари ўт бўлиб ёнар, бурун катакларини кериб, пишқирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. -*Эшитдингми? — Кимсан акам ғазаб билан пишқирди. — Жон керак бўлса, туёғингни шиқиллат.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

5 *кўчма салб.* Шошилиб кетмоқ, босар-тусарини билмай қолмоқ. *Пишқирган бойлар.* ▬ *Пишқириб келган Салимхон Обидий ели чиқиб кетган пуфакдек бўшашиб, бир чеккада ўтирарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПИҚ *тақл. с.* Кулганда ёки йиғлаганда, томоқдан портлаб чиққан қисқа, бўғиқ товуш ҳақида. *Гавҳарнинг лайлакка ўхшаб бир оёғини кўтариб туриши ўзига шу қадар нашъа қилиб кетдики, пиқ этиб кулиб юборди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Анзират кампир пиқ этиб йиғлаб юборди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ПИҚИЛЛАМОҚ Кулги ёки йиғи аралаш қисқа, бўғиқ товуш чиқармоқ, "пиқ-пиқ" этмоқ. *Сотиболди ҳарчанд ўзини тутишга ҳаракат қилса ҳам бўлмади — пиқиллаб кулиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Узилган қайишларнинг улоғини улоғига тўғри қилиб тикмоқда ва пиқиллаб, ўпкамни тутиб ололмай йиғламоқда эдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Азиза юзини кафти билан яширганича, пиқиллаб йиғлаб юборди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИҚИР *тақл. с.* Кулги ёки йиғидан ўзини тута олмай қолганда чиқариладиган қисқа, паст товуш ҳақида. *Пиқир этиб кулмоқ.*

ПИҚИРЛАМОҚ Кулги ёки йиғидан ўзини тута олмай қолганда, қисқа, паст товуш чиқармоқ, пиқир этмоқ. *Мастура пиқирлаб кулиб юборди, яна кулди, ёш боладай ўзини тутолмай қиқирлар эди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ПИҚИР-ПИҚИР Пиқир с. такр. *Қизлар.. нималарнидир аста-аста сўзлашиб, пиқир-пиқир кулишарди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. *Дам овозининг борича, дам пиқир-пиқир кулаверди.* «Ёшлик». *Орқада пиқир-пиқир кулги эшитилди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ПИҚ-ПИҚ Пиқ с. такр. *Зарофат пиқ-пиқ йиғлаганича, унинг ёнидан ўтиб, эшикка калит солиб очди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бир зум тилдан айрилиб, гунг бўлиб қолган оломон орасида пиқ-пиқ кулги ва ғала-ғовур кўтарилди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Аёл кўйлагининг енги билан кўз ёшларини артиб, пиқ-пиқ йиғлади.* Т. Малик, Иблис девори.

ПЛАГИАТ [*лот.* plagiatus — ўғирланган] Бировнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатиш, адабий, ижодий ва илмий ишдаги ўғирлик.

ПЛАГИАТОР [*лот.* plagiator — ўғри] Бировнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатувчи муаллиф; плагиат билан шуғулланувчи шахс. -«*Плагиатор» деган сўзни эшитганмисан? — деди у [Амирий], тўсатдан қошларини чимириб.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ПЛАГИАТОРЛИК Бировнинг асарини ўзиники қилиб кўрсатишлик. *Асардан маълумки, Санжаров Орифнинг плагиаторлигини очиб ташлайди.* «ЎТА».

ПЛАЗМА [*юн.* plasma — ясалган нарса; тузилма] **1** *биол.* Қоннинг суюқ қисми. *Қоннинг суюқ қисми — плазмаларни қуйиш ҳам яхши натижа бермоқда.* Газетадан.

2 Кучли даражада ионлашган, юқори ҳарорат ёки газ заррачалари билан тезлашган электронлар тўқнашуви натижасида ҳосил бўладиган модда. *Қаттиқ водород ҳамда литий гидриди нишонига нур юбориш йўли билан юқори ҳароратли плазма олинди.* «Фан ва турмуш».

ПЛАКАТ [*нем.* Plakat < *фр.* placard – эълон, афиша < *лот.* plaquer – ёпиштирмоқ] Тарғибот, ташвиқот, ахборот ёки реклама мақсадларида кўча ва жамоат муассасаларига илиб қўйиладиган қисқа матнли сурат, тасвир. *Масъулиятсизлик билан тайёрланган кўчалардаги плакатлар, ташкилот ва магазин пешлавҳалари дилингизни хира қилади.* Газетадан. *Бу анжуманга атаб шаҳарни безатиш бўйича макетлар, эскизлар ва плакатлар тайёр бўлди.* Газетадан.

ПЛАКАТЧИ Плакатлар чизувчи рассом.

ПЛАН [*лот.* planum – юза, сатҳ, текислик] **1** Текисликдаги жой, нарса, иншоот ва ш.к. ни масштаб бўйича батафсил тасвирловчи шартли белгилари бўлган чизма. *Бинонинг плани. Шаҳарнинг плани.* ▬ *Геологлар шаҳарчасининг марказий кўчаси план асосида қайта қурилмоқда.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *Қишлоқнинг планини, кўчаларини, уйларини кўрдингиз. Мана бу кўча ҳозирги гўристоннинг бир четкасидан ўтади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *айн.* **режа 2.** *Беруний тумани соҳибкорлари йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.* Газетадан. *[Дилбар:] Пешқадам ишчи кунига пландаги 480 та ўрнига 650 тача рўмолнинг четини тикади.* Газетадан.

3 *эск.* Бирор ишни амалга ошириш тартиби. *Саёҳат плани.* ▬ *Солиҳ лабораторияга кириб, ўз жойига ўтирди-да, қилиниши керак бўлган тажрибалар планини туза бошлади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Қани, айт-чи, бирор мақсадинг, планинг борми ўзи ўйлаб юрган?* Т. Ашуров, Оқ от.

4 *эск.* Бирор нарсани баён этишдаги муайян тартиб, изчиллик. *Диссертация плани. Лекция плани. Ҳикоя плани. Дарс плани.* ▬ *Ўртоқ Обидов.. бу конспект эмас, план [деди Нишонов].* С. Зуннунова, Янги директор.

5 *кино* Объектнинг, мас., кинокадрда суратга олинган майдоннинг тасвирдаги ўрни ва унинг катта-кичиклиги. *Олдинги план. Йирик план. Тасвирларни ўртача планда бермоқ. Юзни йирик планда суратга олмоқ.*

ПЛАНЕРИЗМ Планёрда учиш назарияси ва амалиёти; планёр спорти. *Планеризм билан шуғулланмоқ.* ▬ *Юқори синфда ўқиётганимда планеризмга қизиқиб қолдим.* «Шарқ юлдузи».

ПЛАНЕРИСТ [*фр.* planeuriste – планерчи] *қ.* **планерчи.**

ПЛАНЕРЧИ Планёрда учувчи, планеризм билан шуғулланувчи киши.

ПЛАНЕТА [*лот.* planete < *юн.* (aster) planetes – адашиб юрувчи (юлдуз)] *астр.* Қуёш атрофида айланувчи ва ундан ёруғлик ва иссиқлик олиб, уларни қайтарувчи эллиптик ёки шарсимон осмон жисми; сайёра. *Планеталар ғоят катта шарлардир, улар ўлчамлари ва ёруғлик нури чиқармаслиги жиҳатидан Ерга ўхшайди.* «Астрономия».

ПЛАНЕТАЛАРАРО 1 Планеталар ўртасида бўладиган. *Планеталараро саёҳат.*

2 Планеталар ўртасида жойлашган. *Планеталараро бўшлиқ.*

ПЛАНЕТАЛОГИЯ [планета + *юн.* logos – билим, таълимот] Астрономиянинг Қуёш системасидаги сайёралар ва уларнинг йўлдошларини ўрганувчи бўлими.

ПЛАНЕТАРИЙ [*лот.* planeta – сайёра] **1** Гумбазсимон экраннинг ички сатҳида энг муҳим ёритқичлар ва буржлар жойлашган юлдузлар осмони манзарасини кўрсатувчи, Қуёш, Ой, сайёралар ва б. осмон ёритқичлари кўринма ҳаракатини худди ўзидай акс эттирувчи проекцион аппарат. *Қаҳқаҳа ур, шоир!.. Шовуллайди тинсиз дарахтзор тунда, Планетарийнинг зангор гумбази зарҳал.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Астрономия, космонавтика, Ер ҳақидаги фанлар бўйича тадбирлар (мас., маърузалар, семинарлар) ўтказиладиган илмий-маърифий муассаса, шу муассаса биноси. *Тошкент планетарийси.*

ПЛАНЁР [*фр.* planeur < planer – учмоқ, парвоз қилмоқ] Моторсиз, қанотли, ҳаводан оғир учиш аппарати.

Планёр спорти Авиация спорти тури.

ПЛАНИМЕТРИЯ [*лот.* planum – сирт, сатҳ + *юн.* metreo – ўлчайман] Геометриянинг текисликдаги шаклларни ўрганадиган бўлими.

ПЛАНИРОВКА [*р.* планировка – режалаш(тириш)] **1** Келажакда қилинадиган иш-

лар режасини, лойиҳасини тузиш; режа (план) ишлаб чиқиш.

2 Нарса, жой ёки иншоотнинг, ер (экин) майдонининг айрим қисмларини план асосида бир-бирига нисбатан маълум тартибда жойлаштириш, режалаш; режа. *Паркнинг планировкаси.* ■ *Дала ишларини тўла машиналаштириш мақсадида планировкага алоҳида аҳамият берилди.* Газетадан.

ПЛАНЛАШТИРМОҚ 1 Жой, нарса, иншоот кабиларнинг планини чизмоқ, тузмоқ. *Завод қурилишини планлаштирмоқ. Янги истироҳат боғини планлаштирмоқ. Шаҳарни планлаштирмоқ.*

2 Иш, тадбир, дастур ва ш.к. нинг режасини тузмоқ, белгиламоқ. *Дарсни планлаштирмоқ. Дала ишларини планлаштирмоқ. Ишлаб чиқаришни планлаштирмоқ.* ■ *Планлаштиришни такомиллаштириш ва бошқарувнинг янги схемасини амалга ошириш — қайта қуришдаги бир-бирига боғлиқ муҳим вазифалардир.* Газетадан.

3 Амалга оширишни, бажаришни кўзда тутмоқ. *Сайлни майга планлаштирмоқ.*

ПЛАНЛИ *қ.* **режали**. *Планли иш. Планли юриш. Бутун ишларни планли равишда олиб бормоқ.* ■ *Планли иш туфайли коллеж жамоаси барча соҳаларда юксалиш пиллапояларидан дадил одим ташлаб бормоқда.* Газетадан.

ПЛАНСИЗ 1 Планга асосланмаган, олдиндан планлаштирилмаган, план билан қилинмайдиган. *Плансиз уй.* ■ *Паст-баланд, қинғир-қийшиқ.. плансиз пастак уйлар.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 *қ.* **режасиз**. *Плансиз иш — қолипсиз ғишт.* Мақол.

ПЛАНТАЖ [*лот.* plantare — кўчат ўтқазмоқ] *қ. х.* Ерни, кўпинча мевазор тупроғини чуқур қилиб ағдариб ҳайдаш, ағдарма қилиш. *Илгари, кучли машиналар бўлмаганидан, токзорларнинг ери плантаж қилинмас эди.* Газетадан.

ПЛАНТАТОР Плантация эгаси. *Плантаторлар ширкати.*

ПЛАНТАЦИЯ [*лот.* plantatio — ўсимлик ўтқазиш, экиш] **1** Фақат биргина махсус экин экилган катта ер майдони. *Чой плантацияси. Пахта плантациялари.* ■ *Ҳар йили 25-30 гектар янги плантация барпо қилиняпти.* Газетадан.

2 Алоҳида экинлар, мас., шакарқамиш, пахта, чой, кофе кабилар етиштириладиган йирик деҳқончилик хўжалиги. *Тоғ ёнбағирлари, адирлар, чўл, саҳро зоналарида йирик боғдорчилик плантацияларини ташкил этишга киришайлик.* Газетадан.

ПЛАНШЕТ [*фр.* planchette — тахтача] **1** *геод.* Жойни планга олишда қалин чизма қоғози маҳкамлаб қўйиладиган юпқа тўртбурчак тахта.

2 *геод.* Қаттиқ асосга ёпиштирилган ва топографик суратлар олишда ишлатиладиган қалин қоғоз варағи.

3 Харита жойлаб, ёнга осиб юриладиган, юза қисми юпқа тиниқ нарса билан қопланган ясси сумка. *Черницов планшетдан харитасини чиқарди ва генерал Погодин қўйган белгиларни кўздан кечирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПЛАСТИК [*юн.* plastikos — ҳайкалтарошликка, ганчкорликка оид] **1** Пластикага, ўймакорликка, ҳайкалтарошликка оид. *Пластик санъат.*

2 Тананинг нафосатли, майин ритмик ҳаракатларига асосланган; гўзал, мулойим. *Пластик ҳаракат. Пластик пантомималар.* ■ *Теранлик ҳам, юксаклик ҳам қалбда туғилади. Ана шу қалб манзараларини, ҳолатларини пластик ҳаракатлар орқали ифодалаш мумкин.* «Саодат».

3 Босим, ташқи куч таъсирида муайян шаклга кира оладиган ва босим тўхтагач, шу шаклини сақлаб қоладиган. *Пластик масса. Пластик модда.*

Пластик карточка *айн.* **кредит карточкаси** *қ.* **карточка.** *Улар пластик карточкалар бўйича халқаро тўлов тизимига чиқиш имкониятларини муҳокама қилиб, ассоциацияга аъзо бўлиш шартлари.. билан танишишди.* Газетадан. *Нақд пулсиз пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китобга ўтиш йўлида олиб борилаётган ишлар шу жиҳатдан диққатга лойиқдир.* Газетадан. *Пластик карточкадан мамлакатимизнинг исталган ҳудудида тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.* Газетадан. **Пластик операция** Жарроҳлик йўли билан киши аъзосидаги шикастланган, жароҳатланган аъзоларнинг шакли, функциясини қайта тиклаш; киши баданидаги туғма ёки жароҳат ва касалликлардан кейин пайдо бўлган нуқсонларни бартараф этиш.

ПЛАСТИКА [*фр.* plastique < *юн.* plastike (techne) — ҳайкал яратиш (санъати)] **1** Ўймакорлик (ганчкорлик) ва ҳайкалтарошлик санъати. *Ўзбек пластикаси. Пластика мактаби.*

2 Ҳайкалтарошликда ва текисликдаги тасвирда бадиий шаклнинг ҳажмий, кўзга кўринарли сифатлари.

3 Хореографияда: тананинг рақс руҳи ва услубига мос мулойим ва нафис ҳаракатлари ҳамда шундай ҳаракатлар санъати.

ПЛАСТИКЛИК [*юн.* plastikos — ишловга мойиллик] Ташқи куч ёки зўриқиш таъсирида қаттиқ жисмларнинг ўлчамлари ва шакли дастлабки ҳолига қайтмайдиган бўлиб ўзгариш хоссаси. *Жисмларнинг мўртлиги, пластиклиги шароитга боғлиқ.* «ЎзМЭ».

ПЛАСТИЛИН [*итал.* plastilina < *юн.* plastos — ёпиштирилган, ясалган] Лой, мум ва мойбўёқлардан тайёрланадиган, тез қуримайдиган пластик масса. *Пластилиндан ҳайкалчалар ясамоқ.* ▬ *Тугманинг изи.. пластилинга туширилиб, унинг катта сурати олинди.* Газетадан. *Боғчада бола расм чизади, пластилиндан турли буюмлар ясашни ўрганади.* Газетадан.

ПЛАСТИНКА [*р.* пластина — қаттиқ модданинг юпқа парчаси] **1** Металл, шиша каби қаттиқ нарсанинг юпқа ялпоқ парчаси, тахтаси. *Стаканнинг оғзига бир чўп қўйиб, унга рух пластинканинг бир учини қайириб илинтиринг-да, пластинкани эритмага ботириб қўйинг.* «Кимё».

2 Патефон, радиолага қўйиб эшитиш учун овоз ёзилган, одатда пластмассадан ясаладиган доира шаклли юпқа диск. *Анорхон радиолага пластинка танламоқда.* И. Раҳим, Ихлос. *Товушим ёмон бўлса, нега пластинкага олди?* А. Қаҳҳор, Санъаткор. *-Лаънат, — деб ўйлади у [Акбарали] йўлакай, — эски қўшиқни янги пластинкага кўчирибди.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

3 Фотосурат олишда фойдаланиладиган, сезувчи модда билан қопланган ойна. *Пластинкага олинган негатив.*

ПЛАСТИНКАЛИ Пластинка билан ишлайдиган, пластинкаси бўлган. *Пластинкали фотоаппарат.*

ПЛАСТИРЬ [*юн.* emplastron — суртма дори] Ярага, чипқонга ёпиштириб қўйиладиган, ёпишқоқ дори суртилган қалин мато парчаси. *Пластирь цилиндр шаклига ўхшаш бўлиб, чипқонларни пишириш ёки яллиғланган ўчоқларни бартараф қилиш ва ҳоказолар учун ишлатилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ПЛАСТМАССА [*р.* «пластическая масса» бирикмасининг қисқартмаси] Босим ёки иссиқлик таъсирида керакли шаклга кира оладиган ва шу шаклини сақлаб қоладиган материал; пластик масса. *Пластмассадан қурилган экспериментал уйлар. Пластмасса идиш. Пластмасса ғилдирак.* ▬ *Чамаси, касалхона яқинидаги бу бозорча ўзидан ўзи пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб, устига рангдор пластмасса шифер ёпиб қўйилган эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Пластмасса ва синтетик смолаларнинг енгил саноатда қўлланиш кўлами кенгайиб бормоқда.* «Фан ва турмуш».

ПЛАТИНА [*исп.* platina — кумуш парчаси < plata — кумуш] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қаттиқ, чўзилувчан, юқори ҳароратда эрийдиган кулранг нодир металл. *Платина гуруҳига кирадиган металлни жаҳон миқёсида қазиб олишнинг умумий миқдори 1967 йилда 93 тоннани ташкил этди.* Газетадан. *Оптик шишалар эритишда кўпинча платина идишлардан фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

ПЛАТО [*фр.* plateau — ясситоғлик < *юн.* platys — ясси] *геогр.* Денгиз сатҳидан анча баланд бўлган ва атроф жойлардан йирик нишабликлар билан бўлинган, кенг пастак ясситоғлик ёки баланд текислик. *Устюрт платоси.*

ПЛАТФОРМА [*фр.* plate-forme — текис, ясси шакл; майдонча] **1** Темир йўл станцияларида пассажирларнинг поездга чиқиш ёки тушиши, юк тушириш ёки ортиш учун темир йўлга нисбатан баландроқ қилиб ишланган узун саҳн, майдонча. *Юк платформаси. Йўловчилар платформаси.* ▬ *Платформадан чиққандан сўнг Саидий булардан ажралиб, қочиш йўлини излади ва эпини қилиб қочди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Идиш-қопсиз юклар, контейнерлар ташиладиган, ён деворлари унча баланд бўлмаган, усти очиқ юк вагони. *Платформаларга юк ортмоқ.* ▬ *Юкдан бўшаган платформалар яна бир кун бекор турди.* «Ёшлик».

3 *сиёс.* Бирор сиёсий партия, ижтимоий ташкилот ёки арбобнинг дунёқараши, маслаги, тутган йўли, иш, ҳаракат дастури.

Мени уларнинг платформаси қизиқтиради. Т. Малик, Қалдирғоч.

4 Унча катта бўлмаган станция.

ПЛАЦДАРМ [*фр.* place d'armes – қўшин тўпланадиган майдон] *ҳарб.* **1** Бирор давлат томонидан бошқа давлатга ҳужум қилишга тайёргарлик чоғида қўшинлар ва жанговар техникани тўплаш, ҳарбий ҳаракатларни кенгайтириш учун база сифатида фойдаланиладиган ҳудуд.

2 Сув тўсиқларидан ўтишда эгаллаб олинган ёки чекинишда тутиб турилган соҳил бўйи майдони. *Днепрдан ўтиш жойи немислар назоратида бўлганидан, биз плацдармга керак вақтда қурол-яроғ, озиқ-овқат ва резервимизни эркинлик билан етказа олмасдик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Артиллерия разведкачиси Карим Қосимов плацдармда бир ойдан ортиқ жанг қилди.* Газетадан.

3 Денгиз десанти асосий кучларининг тушиши ва ёйилишини таъминлаш мақсадида соҳил бўйида эгалланган жой, майдон. *Бу урушда на одатдаги жанг майдонлари ва на денгиз плацдармлари бўлади.* Газетадан.

ПЛАЦКАРТ(А) [*нем.* Platzkarte < Platz – жой + Karte – билет] *т. й.* Пассажир поезди вагонида муайян рақамли алоҳида жойни эгаллаш ҳуқуқини берадиган билет.

ПЛАЦКАРТ, плацкартали Алоҳида жойни эгаллаш ҳуқуқини берадиган; алоҳида жойлари бўлган. *Плацкартали билет. Плацкартали жой.* ▬ *Кечагидай эсимда.. плацкарт вагонга чипта ололмасдан, умумий вагонда минг азобда манзилга етгандик.* Газетадан.

ПЛАШ(Ч) [*р.* плащ < плат – газлама, бўз парчаси] Сув ўтказмайдиган материалдан тикилган енгил пальто, уст кийим. *Бир қадам ташлаб, биров орқасидан тортгандай тўхтади: машина эшиги плашининг белбоғини қисиб олган эди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Салқин сезилиб қолган, олди одамлар плаш кийиб олишган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Елкага ташланадиган енгсиз кенг кийим.

ПЛЕБИСЦИТ [*лот.* plebiscitum – омма, халқ қарори] Бирор муҳим масалани ҳал қилиш учун умумхалқ овозига қўйиш; умумхалқ муҳокамаси; референдум. *Плебисцит ўтказмоқ.*

ПЛЕВРА [*юн.* pleura – ёнбош, биқин, ён томон] *анат.* Ўпкани ва кўкрак қафасининг ички томонини зич ўраб турувчи юпқа парда. *Ўпка, плевра, юрак, буйрак касалликларида плевра пардасига сероз [зардоб], йиринг, қон каби суюқликлар тўпланиши мумкин.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ПЛЕВРИТ [плевра + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Плевранинг яллиғланиши. *Қуруқ плеврит. Йирингли плеврит.* ▬ *..экссудатли [суюқ ажралмали] плеврит касаллигида суюқлик ўпкани босиб қўйганидан, нафас олиш қийинлашади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ПЛЕЕР, плейер [*ингл.* player – ўйинчи, актёр; ўйновчи < play – ўйин; ўйнамоқ] Магнит тасмасидаги ёзувни қулоқчин (наушник) орқали айнан қайта эшиттирувчи портатив магнитофон.

ПЛЕНАР [*лот.* plenarius – тўлиқ, ҳаммаси] Бирор ташкилотнинг сайлаб қўйилган барча аъзолари, илмий сессия ва ш. к.-ларнинг барча иштирокчилари қатнашган; ялпи, умумий. *Илмий конференциянинг пленар ва секция мажлислари.*

ПЛЕНУМ [*лот.* plenum – тўлиқ, тўла-тўкис нарса] Бирор ташкилотнинг сайлаб қўйилган барча аъзолари иштирокидаги ялпи мажлиси ёки пленар кенгаши. *Тошкент шаҳар журналистлар ташкилотининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди.* Газетадан. *Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди.* Газетадан.

ПЛЕОНАЗМ [*юн.* pleonasmos – ортиқчалик] *тлш.* Бир хил ёки синонимик тил бирликларининг семантик жиҳатдан такрор ҳолда қўлланиши (мас., *бош-оёқ сарпо* бирикмасидаги форсча *сарпо* сўзи ҳам «бош-оёқ» маъносини ифодалайди).

ПЛЕЯДА [*юн.* Pleias, Pleiados – юнон мифологиясида: Атлантнинг Зевс томонидан юлдузларга айлантириб қўйилган 7 та қизи; кейинчалик: Юнонистоннинг 7 та трагик шоиридан иборат гуруҳнинг номи] Маълум бир даврда бирор соҳада кўзга кўринган, атоқли арбоблар гуруҳи. *Университететимиз босиб ўтган шонли 40 йил ичида ўзбек олимларининг катта плеядаси етишиб чиқди.* Т. З. Зоҳидов, Минг ташаккур. *Кинороманда истеъдодли артистлар плеядасини кўрамиз.* Газетадан.

ПЛЁНКА [*р.* плена – юпқагина пўст, баданнинг нозик пўсти, териси] **1** Фотосуратлар ва кинотасвирлар олиш учун мўлжалланган, ёруғлик сезувчи қатлам билан қопланган, махсус материалдан қилинган эластик лента. [*Қудратнинг*] *Тоғда олган расмлари ҳали фотоальбом учун етарлимас, борларини ҳам плёнкадан чиқариш учун уйда лабораторияси йўқ.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Умуман, ҳар қандай юпқа парда, қобиқ; қоплама материал. *Полиэтилен плёнка.* ▬ *Плёнка остига чигит қадалган майдонларда ғўза ривожи айниқса яхши.* Газетадан. *Уруғлар шу йил баҳорда плёнка остига қадалгач, мутахассислар томонидан мунтазам кузатиб борилди.* Газетадан.

3 Магнитофон ёзуви учун махсус материалдан тайёрланган эластик лента.

ПЛЁНКАЛИ Плёнка билан ишлайдиган, плёнкага эга, плёнкаси бўлган. *Плёнкали фотоаппарат.* ▬ *Кимдир унга район кинотеатридан плёнкали гардиш тунука қутичалар бериб кетди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ПЛИНТУС 1 [*юн.* plinthos – ғишт, ясси тоштахта] *бнк.* Бинонинг ички девори бўйлаб пол билан девор орасидаги тирқишни бекитиш учун қоқиладиган узун ингичка тахта, часпак.

2 Деворнинг пастки туртиб чиққан жойи, шунингдек, устуннинг тўртбурчак асоси.

ПЛИТА [*р.* плита – тош, ғишт; тоштахта < *юн.* plinthos] **1** Катта, ясси, текис тош, темир ва ш. к. бўлаги, тоштахта. *Мармар плита. Пўлат плита. Темир-бетон плиталар ётқизилган кўча.* ▬ *Икки кунда цемент ҳам топилди, бульдозер ҳам, бетон плиталар ҳам топилди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Мармар ва чиғаноқли плиталаримиз турдош корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлардан ажралиб турибди.* Газетадан.

2 Овқат тайёрланадиган уй печкасининг бир тури. *Плитада овқат пиширмоқ.* ▬ *Лолахон плита устидаги чойнакнинг сувини тўлатиб туриб гапирди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Электр плитада чой қўйиб, ўтган куни олиб келган қотган нонни чойга бўктириб еди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПЛИТКА [«плита» с. нинг кичр.] **1 Плита** с. нинг кичр., кичкина плита. *Мармар плитка.*

2 Умуман, кичик тўртбурчак шаклидаги ясси нарса. *Шоколад плиткаси.* ▬ *Дадаси қизга иккита плитка шоколад берди.* С. Аҳмад, Зумрад.

2 *айн.* **кошин.** *Нақшдор плиткалар.*

3 *айн.* **плита 2.** *Электр плиткада чой қайнатмоқ. Газ плиткада овқат пиширмоқ.*

ПЛОМБА [*фр.* plomb < *лот.* plumbum – қўрғошин] **1** Беркитилган эшик, яшик ёки ўралган молнинг очиладиган жойига ёпиштирилган ва муҳр ёки тамға белгиси босиб қўйилган қўрғошин ёки тунука тахтача.

2 Тегишли даволаш муолажаларидан кейин катта тиш ёки суякдаги кавак, тешикни беркитиш учун ишлатиладиган, қотиб қолувчи қуюқ масса.

ПЛОМБАЛАМОҚ 1 Беркитилган эшик, яшик ва ш.к. га пломба ёпиштириб тамғалаб беркитмоқ. *Электр ҳисоблагични пломбаламоқ.*

2 Тиш кавагини пломба билан тўлдириб, беркитиб қўймоқ. *Тишни пломбаламоқ.* ▬ *У [маргимуш] бузилган тишларни пломбалашда тиш нервларини ўлдириш учун қўлланади.* «Кимё».

ПЛОМБАЛИ 1 Пломба ёпиштирилган, пломба ёпиштириб тамғалаб беркитилган. *Пломбали яшик.*

2 Каваги пломба билан маҳкамланган. *Пломбали тиш.*

ПЛОМБИР [*фр.* plombieres < Франциядаги Пломбьер (Plombieres) курорт шаҳарчаси номи] Қаймоққа мева, шарбат, ёнғоқ ва ш.к. қўшиб тайёрланган олий нав музқаймоқ (дастлаб тайёрланган ва тарқалган жой номи билан аталган).

ПЛОТИНА [*р.* плот – «девор, ғов, тўсиқ» с. дан.] *қ.* **тўғон.** *Майли, танти турамиз, плотинани чин дил билан, чин виждон билан қурганмиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ПЛУГ [*р.* плуг < *нем.* Pflock – қозиқча] Ер ҳайдаш учун мўлжалланган махсус тишли ёки дискли қишлоқ хўжалик қуроли. *Пахта майдонлари ўғитланиб, икки ярусли плугларда чуқур шудгорлаб қўйилди.* Газетадан. *Тракторчига шогирд тушган кезларида, плуг остида қолиб, бир оёғидан ажралувди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ПЛУТОКРАТ Плутократик давлат тузумида: энг бой табақа вакили.

ПЛУТОКРАТИЯ [*юн.* plutokratia < plutos – бойлик + kratos – куч-қудрат, ҳокимият]

сиёс. Ҳокимият расман ва батамом жамиятнинг энг бой, мулкдор табақа вакиллари – плутократлар қўлида бўлган давлат тузуми, бойлар ҳукмронлиги.

ПЛУТОН [*юн.* Pluton – юнон мифологиясида Ер ости дунёси ва ўликлар салтанати худоси] (П – *катта*) Қуёш системасининг Қуёшдан узоқлиги бўйича тўққизинчи, ҳозирча энг охирги ўринда турган сайёраси.

ПЛУТОНИЗМ [*юн.* Pluton – Ер ости дунёси худоси Плутон номидан] Ер геологик тарихида Ер пўстининг даврий ўзгарувчанлигида асосан ички, қисман ташқи кучлар ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисобловчи таълимот, йўналиш. *Плутонизм тарафдорлари, Ер юзаси тарихида вулкан ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб ҳисоблаганлар.* «ЎзМЭ».

ПЛУТОНИЙ [*лот.* Plutonium < Плутон сайёраси номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб, сунъий йўл билан олинган кумушранг радиоактив кимёвий элемент.

ПЛЮРАЛИЗМ [*лот.* pluralis – кўп учрайдиган, кўп миқдордаги] **1** Сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли хил шаклларининг бир пайтда бирга яшаши, мавжуд бўлиши – ҳуқуқий жамият тузилишининг асосий тамойили.

2 Ғоялар, қарашлар, манфаатлар ва ш.к. нинг танлаш эркинлигига имкон берувчи хилма-хиллиги, кўплиги.

3 *флс.* Борлиқнинг, ҳаётнинг бир неча (ёки кўпгина) мустақил ибтидоси, билимнинг бир неча асоси мавжуд, деб ҳисобловчи фалсафий таълимот, оқим.

ПЛЮС [*лот.* plus – кўпроқ, каттароқ] **1** *мат.* Икки сон орасида келганда, шу сонларнинг бир-бирига қўшилишини кўрсатадиган белги (+) номи; қўшув белгиси. *Тўрт плюс икки.*

2 Сонларнинг мусбат эканлигини ёки миқдорнинг ошиб боришини ифодалайдиган белги.

3 Температуранинг нолдан юқори эканлигини, яъни илиқлик, иссиқликни ифодаловчи белги. *Бугун кун – плюс ўттиз даража.*

4 *кўчма* Ижобий натижа, ютуқ; афзаллик, фойда. *Ҳар чизиғи – қурилишдан бир белги, ютуқлардан плюс.* Ғ. Ғулом.

ПЛЯЖ [*фр.* plage – соҳил, қирғоқ < *лот.* plaga – мамлакат, воҳа; минтақа] Дengиз, дарё, кўлларнинг ётиқ, бир оз нишаб қирғоғида чўмилиш, қуёш ваннаси қабул қилиш учун қулай бўлган, қум ёки майда шағал билан қопланган узунчоқ ер майдони (кўпинча махсус жиҳозланган бўлади). *Бир зумда денгиз соҳили одамларга тўлди. Пляжлар гавжум.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ПНЕВМАТИК [*юн.* pneumatikos – нафас ва нафас олишга, ҳаво оқимига оид] **1** Сиқилган ҳаво ёрдамида ҳаракат қиладиган, ишлайдиган ёки амалга ошириладиган. *Пневматик насос. Пневматик тормоз. Пневматик бурғилаш.* ▬ *Ҳозирги вақтда пневматик усул билан ишлайдиган пахта териш машиналарини синаш мақсадида яратилган намуналар бор.* «Фан ва турмуш».

2 Сиқилган ҳаво билан тўлдирилган. *Пневматик ғилдирак.* ▬ *Ғилдиракнинг ҳар бир спицаси ўз ўлчамини ўзгартира олувчи ўзига хос пневматик цилиндрга эга.* Газетадан.

ПНЕВМАТИКА [*юн.* pneumatikos – нафасга, ҳавога оид] Пневматик механизм ва мосламалар.

ПНЕВМОГРАФИЯ [*юн.* pneuma – нафас, ҳаво + *юн.* grapho – ёзаман] Одам ва ҳайвонлар кўкрак қафасининг нафас олиш вақтидаги ҳаракатини ёзиб олиш.

ПНЕВМОКОККЛАР [*юн.* pneumon – ўпка + kokkos – дон] *тиб.* Одам ва ҳайвонларнинг нафас олиш аъзоларида яллиғланиш касалликларини (мас., зотилжам) келтириб чиқарувчи шарсимон бактериялар.

ПНЕВМОНИЯ [*юн.* pneumon – ўпка] *тиб.* Ўпканинг яллиғланиши; зотилжам.

ПОВ 1 *тақл. с.* Шиддатли жараён, тез ёниш ва ш. к. да чиқадиган товуш ҳақида. *Гулхан керосиндан пов этиб ёнди.* ▬ *Кўраман ҳали, ўғирлаган бедаси яна пов этиб ёниб кетади.. Отнинг устида ўтиришини қаранг, бир куни мана шу отнинг ҳам уволи уради.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Бирданига, тезда юз берадиган шиддатли вазият, ҳолатни ифодалайди. *Хотин кишининг жаҳли чиқса, бир пов этади-ю, яна ўчади. Кампир ҳам бир-икки кундан кейин ҳовридан тушиб қолар.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПОВЕСТКА [*р.* повестить – «хабар бермоқ, огоҳ қилмоқ, билдирмоқ» фл. дан ясалган от] *эск.* Чақирилганлик ҳақида қисқача ёзма хабар; чақириқ қоғози. *Элмурод уйга келиб, столи устида ҳарбий комис-*

сарликнинг повесткасини кўрди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Йўлдош бугун эрталаб чой устида онасига повестка кўрсатди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ПОВЕСТЬ [*р.* повествовать – «ҳикоя, баён қилмоқ, айтиб бермоқ» фл. дан ясалган от] *қ.* **қисса.** *Қаҳрамонлар тўғрисида минглаб шеър, достон, ҳикоя, повесть, саҳна асарлари яратса арзийди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *А. Қаҳҳор бу комедияга нуқта қўйишлари биланоқ «Муҳаббат» повестини бошладилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПОВИДЛО [*пол.* povidla] Майда тўғралган ёки қирилган, эзилган ҳўл ёки резавор мевани шакар билан қайнатиб тайёрланган қуюқ ширин таом, қуюқ шиннининг бир тури. *Олма повидлоси. Олхўри повидлоси.* ▬ *Фарғона консерва заводи сабзавот, мева консервалари, компотлар, қиёмлар, повидло, маринадлар ишлаб чиқаради.* Газетадан.

ПОВИЛЛАМОҚ «Пов» этган товуш чиқармоқ. *Сут челакка повиллаб тушмоқда.* ▬ *Примуснинг тинмай повиллаши унинг [Ширмонхоннинг] хаёлига қанот бергандай, у атрофдаги ҳамма нарсани унутгандай эди.* С. Зуннунова, Олов.

ПОВ-ПОВ Пов с. такр. *Пов-пов сут соғаётган Тошхоннинг челаги тўлай деб қолганда, Тарғил қурғур шарт тепди-ю, ҳаммасини ағдариб юборди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ПОГОН [*р.* погон – бирор нарсани маҳкамлаш, қадаб ёпиштириш мосламаси] Ҳарбий ва б. расмий кийимларнинг елкасига тақиладиган, шу кийим эгасининг унвонини кўрсатадиган белгили, кўпинча тўртбурчак қалин мато парчаси. *Темирйўлчилар погони. Офицерлар погони.* ▬ *-Биласизми, – дедилар Абдулла Қаҳҳор, – сизнинг бу ерда ота-онангиз бўлмаса, елкангизда погону эгнингизда шинель бўлса, мен сизнинг қанақа аёллигингизни кимдан сўрайман?* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПОГОНЛИ Погони бор, погонга эга. *Юлдуз погонли дада, юлдузли шапка кийган дада бир кўринди-ю, яна йўқ бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У ғурур ва сипоҳлик билан извошни қоқ «Қосим» номерининг олдида тўхтатди ва бир офицер формасидаги погонлига хитобан рус тили билан сўзлаша бошлади.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

ПОДА [*ф.* پاده – гала, тўда, уюр; яйлов] **1** Бирга ҳайдаб борилаётган ёки бирга ўтлаб юрган, одатда бир турга оид чорва моллари тўдаси. *Қўй подаси.* ▬ *Ғужбоғ йўлларидан подалар чувалаб келарди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Пода тегирмон яқинидан ўтаётганда, Йигиталининг димоғига ёқимли бир ис урилди.* Т. Малик, Ажаб дунё.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг тўпи, уюми. *Ёмғир тинган, ҳарир рўмолдек узуқ-юлуқ булутлар подасини шамол тўзғитмоқда.* Газетадан.

Подадан олдин чанг чиқармоқ Бирор иш, воқеа ва ш. к. ҳақида улар содир бўлмасдан олдин ҳовлиқиб гапириб юрмоқ. *Бошлиқ индамади. Икки кишини ёнига олиб, қолганларни огоҳлантирди: -Подадан олдин чанг чиқарманглар. Биз ҳозир аниғини билиб келамиз.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Қўзибойнинг гоҳо подадан олдин чанг чиқариш одати борлигидан, баъзилар уни «сўнгги ахборот» деб ҳам аташаркан.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ПОДАГРА [*юн.* podagra – оёқ қопқони < podos – оёқ + agra – қопқон] *тиб.* Одамлар ва ҳайвонлар организмида пурин моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган сурункали касаллик.

ПОДАХОНА 1 Пода турадиган жой ёки бино.

2 *кўчма* Қаровсиз, назоратсиз, тартибсиз жой. *Бу жой сизга подахонами?*

ПОДАЧИ Подани ҳайдаб олиб юрувчи, пода боқувчи. *Мактабга келдим. Ҳеч ким йўқ. Бир пайт Қодир подачининг кичкина невараси келиб қолди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Ҳамма бало-қазога балогардон – биз: бугун ўқитувчи келиб дўқ уради, эртага подачи гаврон кўтариб келади.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Подачи йўқ. Ҳар йили баҳорда унга эланиб, бунга эланиб, кунимиз ўтади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ПОДАЧИЛИК Пода боқиш билан шуғулланиш; подачи касби. *Босқинчиликми, подачиликми, кетмончиликми – қандай иш бўлса ҳам майли.* И. Раҳим, Ихлос. *-Мен бундай подачиликка ярамайман, тақсир! – деб кулади Мулла Обид.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ПОДБОР [*р.* подобрать – «териб, йиғиб, йиғиштириб олмоқ» фл. дан ясалган от] *эск.* Пахта теримида ерга тўкилган, одатда хас-

хашак аралашган пахталарни йиғиб-териб олиш ва шу йўл билан терилган пахта. *Этак боғлаб ортда жим, Подбор терар ёшлигим.* «Шарқ юлдузи».

ПОДБОРКА [*р.* подобрать – «йиғиб-териб олмоқ; хилламоқ, сараламоқ» фл. дан ясалган от] *эск. плгрф.* Бир сарлавҳа остида бирлаштирилган, бир мавзуга оид бир неча мақола. *Конференция материалларига бағишланган подборка.*

ПОДБОРШЧИК [*р.* подборщик – йиғиб-териб олувчи] *тех.* Тўкилган пахта, ўрилган поя, ўт ва пичанни йиғиб оладиган мослама ёки машина. *Пахта териш машинасининг подборшчиги.*

ПОДВАЛ [*р.* подвал – тупроқ кўтармаси остидаги хона, жой] **1** Бинонинг остидаги, ер юзасидан паст жойлашган хона ёки хоналардан иборат қисми; ертўла, омборхона. *Аҳмаджон подвалнинг ёнига бориб, икки тешикка иккита граната ташлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Таманно газмоллар уйиб ташланган ярим қоронғи подвалга тушиб кетди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар.

2 *плгрф.* Газета саҳифаларининг алоҳида мақола босилган пастки қисми ва унда босилган мақола. *Газетанинг икки подвалини банд қилган бу мақолада Саидий, Ёқубжон ва округ газетасининг муҳаррири исмлари бутун колонкаларни чипор қилиб юборган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ПОДПОЛКОВНИК [*р.* под – остида, қуйида + полковник] *ҳарб.* Майордан юқори, полковникдан паст офицерлик унвони.

2 Шу унвонга эга бўлган киши. *Ўртоқ подполковник, батальоннинг шахсий таркиби умумий йиғилишга етиб келди.* Газетадан.

ПОДПОРУЧИК [*р.* под – остида, қуйида + поручик] *тар. ҳарб.* Чор армиясида: прапоршчикдан юқори, поручикдан паст офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

ПОДСТАНЦИЯ [*р.* под – каттага нисбатан кичик, қўшимча маъносини ифодаловчи префикс + станция] *тех.* **1** Асосий электрстанциядан келаётган ток кучланиши ва турини ўзгартириб берадиган ёрдамчи электрстанция. *Ургут тумани Навоий номидаги ширкат хўжалигининг Тирсак қишлоғида янги подстанцияни ишга тушириш мўлжалланмоқда.* Газетадан.

2 Оралиқ, ёрдамчи телефон станцияси.

ПОДШИПНИК [*р.*] *тех.* Машина ва механизмларнинг вал, ўқ каби айланувчи қисмини тутиб турадиган ва уларнинг осон айланишини таъминлайдиган ёрдамчи деталь.

ПОДШО 1 *қ.* **подшоҳ.** *Тонг саҳарда подшо овга кетаётиб, йўлда деҳқонни учратиб қолди.* Газетадан. *Ие, ахир, сизни подшонинг ўзи хизматига олган эмасмиди?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Оқ подшо, оқпошшо *тар.* Рус императорининг ўзбеклар орасидаги номи. *Худо ўлим берсин оқ подшойинг Мекалайга, қайт эмиш-а, эркак бўлсанг, йўл бошла!* Ойбек, Танланган асарлар. **Ярим подшо** *қ.* **ярим.** *Мен оқ подшонинг юзига ва у кишининг Тошкентдаги вакили ярим подшо генерал-губернаторнинг юзига қандай қарайман?* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

2 *кўчма қ.* **сара.** *Юлдуз-ку, мен билган қизларнинг подшоси десам бўлади, уни жондилимдан яхши кўраман.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ПОДШОЛИК *қ.* **подшоҳлик**.

ПОДШОПАРАСТ *қ.* **подшоҳпараст**.

ПОДШОҲ [*ф.* پادشاه < *қад. ф.* پاد – ҳукмдор + شاه – улуғ, буюк] Баъзи Шарқ мамлакатларида: мутлақ ҳокимлик қилувчи ҳукмрон унвони ва шундай унвонга эга шахс, шоҳ. *Эрон подшоҳи (тар).* ■ *Абдулла: -Мен кириб, подшоҳга хабар берай, – деб кириб кетди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз. *Мулла Фазлиддин ёш подшоҳнинг амри билан Буратоғнинг чиқиш қийин бўлган хушманзара бир қоятоши устига кичкина ҳужра қурган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ПОДШОҲЛИК 1 Подшо(ҳ)га хос хислат, хатти-ҳаракат; подшо унвони. *Муродхон тахтда подшоҳлик дағдағасини қилиб ўтирди.* «Муродхон».

2 Шоҳ қўл остидаги давлат, салтанат. *Рус подшоҳлиги қўшни бўлмаганда, амир, бек ва уларнинг мансабдорлари, ҳар ҳолда, тортиниброқ турардилар.* F. Расул, Адолат. *-Мен бир оми одамман, – деди мингбоши, – сиёсатингизни билмайман. Қўлимдан келганича подшоҳликка хизмат қилиб келдим.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 Шоҳга ёки унинг қўл остидаги давлатга тегишли нарса; хазина. *-Нобудчилик-да, тақсир, – деди оқсоқол бутун деҳқонларга*

эшиттириб, — бир неча жўяк билан подшоҳлик хазинаси тўлмайди ҳам, бўшаб қолмайди ҳам. С. Айний, Қуллар. *Бухорода ўлган ҳар бир ҳиндининг моли-пули ўз меросхўрига юборилмай, подшоҳлик қилинади.* С. Айний, Дохунда.

4 *кўчма* Умрнинг энг яхши даври. *Болалик — подшоҳлик.* Мақол. ▬ *Ёшлик бир подшоҳлик: ўйнагани қоладир шу гўдакларнинг!* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПОДШОҲПАРАСТ [*ф.* پادشاهپرست — подшоҳни севувчи, ёқловчи] Мамлакатда подшо ҳукмрон бўлишини ёқловчи, подшоҳга таянувчи. *Подшоҳпараст бой.* ▬ *[Йўлчи:] Бойлар, амалдорлар ўз подшосига ён босади, подшоҳ уларга ён босади. Бойларнинг подшоҳпараст бўлиши бекорга эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПОДЪЕЗД [*р.* подъехать, подъезжать — «етиб, яқинлашиб келмоқ, кириб бормоқ» фл. дан ясалган от] Кўп қаватли уйларнинг кириш жойи. *Подъездга киришлари билан қандайдир аёлларнинг йиғи товушлари эшитилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Йигитали подъезд эшиги олдида Мударрисовга дуч келди. Аммо иккови ҳам бир-бирига индашмади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ПОЕЗД [*р.* поездить — «транспорт воситасида роса юрмоқ, кезмоқ» фл. дан ясалган от] Бир-бирига кетма-кет тиркалган ва локомотив ёрдамида юрадиган темир йўл вагонлари қатори. *Поезд қачон келиши, қачон Наманган тарафдан қайтиб ўтишини станция бошлиқлари ҳам аниқ билишмайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Диктор аллақайси поезд келганини эълон қилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Поезд йўл *с.т.* Поезд, трамвай ва ш. к. транспорт воситалари юриши учун махсус ўрнатилган темир из, темир йўл.

ПОЁН [*ф.* پایان — охир, хотима, тугаш; чек, чегара, ҳад] **1** Жой, масофа, йўл кабиларнинг охирги чегараси, этаги, охири. *Поёни кўринмайдиган дала.* ▬ *Бинафша, лолалардан гилам тўшалган тоғ-қирларни кезиб, поёнига етолмайсиз.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Низомжон шу топда шундай кучли бўлиб кетган эдики, бир ўзи мана шу поёни йўқ чўлни агдар-тўнтар қилиб ташлашга қодирдек эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қамишлар икки одам бўйи ўсган, поёни кўринмас, шабадада бир оҳангда мунгли шовулларди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

2 Иш, гап, воқеа-ҳодиса кабиларнинг охири, интиҳоси. *Ҳикояни поёнига етказмоқ.* ▬ *Умрнинг поёни кўринган пайтда уй қайғусига тушдим.* «Ёшлик». *Ғазал поёнига етди. Табибий камтарона кулумсиради. Ҳарёндан олқишлар эшитилди.* С. Сиёев, Аваз. *[Майсара:] Шу хиёнаткорларнинг жазосини бериш учун бошлаган ишимни поёнига етказай.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Бу сўзингнинг, дилбар, йўқдир поёни.* «Алпомиш».

3 *кўчма* Сўнг, чек, ниҳоя (ҳис-туйғу, кечинма кабилар ҳақида). *Ғазабининг поёни йўқ.* ▬ *Неча фарёд тошиб келди кўксин ёргудай, Кўзи тиниб, изтироби поёнга етди.* А. Мухтор, Асарлар. *Сирим борки, осмони кўринмас, Ғамим борки, поёни кўринмас.* «Ёшлик». *Ҳар бир нарса каби меҳр-муҳаббатнинг ҳам аввали, авжи ва поёни бўлиши табиий.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ПОЁНСИЗ *айн.* **бепоён.** *Поёнсиз пайкаллар. Поёнсиз йўл. Поёнсиз кенг чўл.* ▬ *Поёнсиз, ҳиссиз қуруқ чўллар гулбоғларга айланади меҳнат қаршисида.* Миртемир, Асарлар. *Азим тажанг даҳшат тўла қонли кўзлари билан Ғуломжонга ўқрайиб қаради. Лекин унинг юзида поёнсиз бир нафрат борлигини кўриб, юзини қайнатасига бурди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПОЗИТИВ I [*лот.* positivus — мусбат, ижобий] Негативдан кўчирилган ва нарсанинг ҳақиқий ранг-тусини (оқ, қора ёки бошқа рангларни) акс эттирадиган фотосурат ва шундай сурат туширилган пластинка ёки плёнка; *зид.* **негатив** I.

ПОЗИТИВ II [*лот.* positivus] **1** Позитивга алоқадор; нарсанинг ҳақиқий кўринишини акс эттирадиган. *Позитив фотосурат.*

2 Фактларга, тажрибага асосланган; ишончли, тасдиқловчи. *Позитив мулоҳаза. Позитив қараш.*

ПОЗИТИВИЗМ [*фр.* positivisme < *лот.* positivus — ижобий] Барча чинакам (позитив) билимлар, бирор фалсафанинг ўз устидан ҳукмронлигига муҳтож бўлмаган махсус фанларнинг биргаликдаги, умумий натижасидир, деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

ПОЗИТИВИСТ Позитивизм тарафдори.

ПОЗИТРОН [*лот* posi (tivus) — мусбат + (элек)трон] *физ.* Массаси электрон массасига, заряди электрон зарядига тенг, аммо

ишораси унга қарама-қарши (мусбат) бўлган моддий заррача; мусбат электрон. *..космик нурларни ўрганиш чоғидагина.. биринчи марта позитрон, мезон ва гиперон сингари заррачалар борлиги маълум бўлди.* Газетадан.

ПОЗИЦИОН Позицияга алоқадор, позиция эгаллаш, муайян жойга ўрнашиш билан боғлиқ. *Позицион жанг. Позицион мудофаа. Позицион устуникка эга бўлмоқ. Позицион ютуқ.* ▬ *..позицион урушларнинг оқибати эса Германия учун ҳалокатли бўлди.* «Янги тарих».

ПОЗИЦИЯ [*лот* positio – ҳолат, вазият] **1** *с.т.* Ҳар қандай кимса ёки нарсанинг тутган ўрни, ишғол қилиб турган жойи, мавқеи, ҳолати, вазияти. *Қулай позиция. Ноқулай позиция.* ▬ *Аминов бошқа позицияга ўтди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Ўзингга маълум позиция танлаб ол.* «Шарқ юлдузи». *Фан ва техника тараққиётининг кўп соҳаларида мамлакатимиз дунёда етакчи позицияларни эгаллаб турибди.* Газетадан.

2 *ҳарб.* Қўшиннинг мудофаа ёки ҳужум қилиш мақсадида эгаллаб турган ва инженерлик нуқтаи назаридан жиҳозланган ер майдони. *Душман позицияларини тўпга тутмоқ.* ▬ *Шу йигит бир ҳужум вақтида душман позициясига жуда яқин бир ғарамга кириб олиб, батареянинг кўзи бўлиб турган эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Қулай бир позиция топиб тўхтаган танк аланга тубига бронтешардан ўқ уза бошлади.* П. Қодиров, Эрк.

3 Шахмат ва шашка ўйинида доналарнинг жойланиш ҳолати. *Ўн олти юришдан кейин юзага келган позиция.* ▬ *Сўнгра Шуҳрат юриш сайин позициясини кучайтириб, ғалабага эришди.* Газетадан.

4 *кўчма* Бирор масалада тутилган йўл, нуқтаи назар; воқеа-ҳодисанинг муайян баҳоси. *Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфидан чиқаришдан воз кечиш бизнинг қатъий позициямиздир.* Газетадан.

ПОЙ [*ф.* پا / پای – оёқ; товон; этак] **1** *эск. кт. айн.* **оёқ 1**. *Пирназар полвон қизига бир эланди-ю, бошини четга бурди. Ота юзини терс бургач, Ёрқиной баттар эзилди, энди у дадасининг пойини қучоқлаб йиғлади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Пойига йиқилиб: -Момоқиз, мен сенга нима ёмонлик қилиб эдим, – дейман!* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Пойи пиёда Яёв юриб; яёв, от-уловсиз. *Машҳур ҳофиз ва машҳур ўйинчи чол ўн километр масофадаги Урганчгача пойи пиёда йўл оладилар.* М. Қўшжонов, Дийдор. *Шопур бу шаҳардан чиқиб, пойи пиёда калласи оққан ёққа кетиб бораётиб эди.* «Баҳром ва Гуландом». *Улар кўчага чиқиб, уй олдидаги узун йўлакдан пойи пиёда одимлаша бошлашди.* О. Мухтор, Эгилган бош.

2 (*эгалик ва ў.-п. к. аффикси билан*) Бировнинг ихтиёрида, қўлида ёки оёғи остида. *Лекин асло қилма армон, Армон қилма, гул жамол, Пойингдадир ёруғ жаҳон, Кенг жаҳонга назар сол.* Ҳ. Шарипов.

3 Бирор нарсанинг қуйи қисми, таги, этаги. *Улуғ шоир ҳайкали пойига меҳр-муҳаббат ва чуқур эҳтиром рамзи сифатида гуллар қўйилмоқда.* Газетадан. *Фақат дарё лаби гезариб, Ёпиб ётар тоғнинг пойини.* У. Қўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё. *Саҳнаю минбар пойида ижод аҳли билан учрашувга талпиниб келган кишилар..* Газетадан.

Хоки пой Оёқ остидаги тупроқ. *Нарзининг изига тушгим келаверди. Унинг хоки пойини топиб, кўзимга суртсам.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўғли борнинг эгалидир қалъаси, Хоки пойин суртар мендек энаси.* «Эрали ва Шерали».

4 Жуфт ҳолда ишлатиладиган нарсанинг ҳар бири, бир тоқаси (асосан пойабзал ҳақида, одатда «бир» сўзи билан ишлатилади). *[Бир] пойи йўқ этик. Маҳсининг бир пойи.* ▬ *Унинг бир пой пайтаваси осилиб, юришга халақит берарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Очил Шаропов ўгирилиб, пойгакдаги пойабзаллар ичидан бир пой кавушни олиб кўрсатди.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Нозима даҳлизда ётган бир пой туфлисига кўзи тушди.* «Ёшлик».

ПОЙАБЗАЛ [*ф.* پای‌افزار – оёқ кийими, оёқ жиҳози] Оёқ кийими. *Ёзлик пойабзал. Спорт пойабзали. Пойабзал магазини.* ▬ *Очил Шаропов ўгирилиб, пойгакдаги пойабзаллар ичидан бир пой кавушни олиб кўрсатди.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Теридан бўлган пойабзалга ҳафтада икки марта крем суртиш шарт.* «Саодат».

ПОЙАБЗАЛЧИ Пойабзал саноати ходими, ишчиси. *..кўпчилик пойабзалчиларимиз бир қарашдаёқ Тошкент ёки Фрунзеда тайёрланган чармнинг фарқига боришади.* Газетадан.

ПОЙАБЗАЛЧИЛИК Пойабзаллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи саноат. *Индустрлаштиришнинг дастлабки йилларида кўпгина тўқимачилик, пойабзалчилик, кўнчилик, пиллакашлик саноати ишлаб чиқаришига ҳам катта эътибор берилди.* Газетадан.

ПОЙАНДОЗ [*ф.* پای‌انداز – остонага, оёқ остига тўшаладиган гилам ёки ипак мато] **1** Алоҳида ҳурматга сазовор кишини ёки келин, куёвни кутиб олиш учун унинг йўлига, оёғи остига солинган ёки солинадиган гилам, палос ёки мато. *Йўлларига пойандоз солмоқ.* ▬ *Хайрибиби билагига ташлаб чиққан оқ крепдешин пойандозни келин оёғи остига ёзиб, қўярда-қўймай уни бостирди, патнисдаги қанд-қурсни бошидан сочиб юборди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *У [қиз] оналикка узатилган кун хотирида бир умр қолсин деб, тўй-томошалар қилдилар, йўлига пойандоз солдилар.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

2 Умуман, полга тўшалган гилам, палос. *Тошпўлатов пойандоз солинган узун коридордан бамайлихотир кириб борар экан, оёқ шарпасини эшитиб, ичкаридан Хосият хола чиқиб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Султон пиёладаги чойни жаҳл билан гилам пойандозга сепиб юборди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

3 *шв.* Кўрпача.

ПОЙАФЗАЛ *с.т. айн.* **пойабзал**.

ПОЙБАНД [*ф.* پای‌بند – оёғи боғланган, кишанланган; банди, асир; кишан] Оёғи боғланган, бандга тушган. *Толиби дунё, гирифтори каманди ҳирс ўла, Пой(и)банд ўлмас тааллуқ домиға озода мард.* Нодира, Девон.

ПОЙГА 1 *спрт.* Ким ўзди мусобақаси. *Югуриш пойгаси. Автомобиль пойгаси. Велосипед пойгаси.* ▬ *Ҳамма пойгада маррага етай деб қолган чавандознинг ҳаяжони билан яшайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Мабодо пойгада қатнашмаса, гўё отини камситгандек бўларди ўзича.* Т. Ашуров, Оқ от.

Пойга қилмоқ (*ёки* **қўймоқ)** Бир-биридан ўтиб, ўзиб кетиш учун мусобақалашмоқ; тезликни ошириб, ўтиб кетишга уринмоқ. *Юрай, деса тўрт оёғи толади, Пойга қилса, пиёдадан қолади.* «Нурали».

2 *кўчма* Бирон иш-ҳаракат, жараёнда бошқаларга нисбатан юқори натижаларга, кўрсаткичларга эришиш учун бўлган ҳаракат; мусобақа. *Пахта теримида Фарғона пойганинг олдида боряпти.* Газетадан.

3 *кўчма* Бирор соҳада бир-биридан ўзиб, устун туриш учун бўлган ҳаракат, рақобат. *Бугунги кунда ер юзида ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасига қарши овоз тобора баралла янграмоқда.* Газетадан.

ПОЙГАК [*ф.* پایگه] *с.т. қ.* **пойгаҳ**. *Гулнор ўзига бўлган эътибордан уялиб, пойгакка бориб, секин ерга қаради.* С. Зуннунова, Олов. *Назирқул, эшоннинг қўлини олиб, кўзига суртди-да, орқаси билан пойгакка чўккалади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Аваз пойгакка омонат чўккаламоқчи эди, Табибий уни қистаб, тўрга ўтқазди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ПОЙГАЧИ Пойга қатнашчиси; пойгада қатнашадиган. *Тасаввур қилинг.. майдон атрофидаги айлана йўлка бўйлаб бир гуруҳ велосипед пойгачилари шамолдек елиб бормоқда.* «Фан ва турмуш». *Пойгачиларнинг барчасига эсдалик совғалари топширилди.* Газетадан.

ПОЙГАҲ [*ф.* پایگاه / پایگه – остона, киравериш; кавуш ечиладиган жой] Хонанинг эшикка яқин қисми, паст томони; *зид.* **тўр** II. *Ясовул пойгаҳдаги эшикдан Султон Али мирзони бошлаб кирганда, Шайбонийхон ҳали ҳам шаҳнишинда ўша жойнамоз устида ўтирган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Навоий эшикдан кириши билан таъзим қилиб тиз чўкди ва ижозатдан кейин пойгаҳда чўкка тушиб ўтирди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ПОЙГУМБАЗ [*ф.* پای‌گنبد – гумбаз оёғи, ости] Гумбаз ўрнатиладиган махсус қурилма, асос.

ПОЙДЕВОР [*ф.* پای‌دیوار – деворнинг остки қисми, асоси] **1** Иморат ёки иншоотнинг ост қисми; машина, механизмларнинг асоси. *Тош пойдевор. Устун пойдевори.* ▬ *Бир ҳовуч сув айвоннинг пишиқ ғиштдан урилган пойдеворига сачради-да, шимилиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Иморатнинг пойдевори харсанг тошлардан кўтарилди, деворлари синч қилинди.* «Ёшлик». *У ҳовлига кириши билан, айвон пойдеворига суянганича, бошини осилтириб ухлаётган онасини кўрди.* Т. Малик, Шайтанат.

2 *кўчма* Замин; негиз, база. *Меҳнат – роҳатнинг пойдевори.* Мақол. ▬ *Инсонни маънавий шахс сифатида шакллантиришда мактаб пойдевор десак бўлади.* М. Жўра, Ноширнома. *Таълимнинг пойдевори билимнинг ҳаётда кераклигини боланинг онгига етказа*

билишдир. Р. Усмонов, Одобнома. *Ҳар томонлама ўзаро алоқаларимизга пойдевор бўлиб хизмат қилувчи мазкур ҳужжат асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора равнақ топаётир.* Газетадан.

ПОЙДОР [*ф.* پايدار – мустақил, барқарор, абадий; асоси бор] *кт.* Мустаҳкам асосга, заминга эга бўлган, барқарор. *Юрт бу кун оҳудай хўп ишвакордир. Сир каби сермавждир, Томирдай пойдор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Зебининг бу хурсандлиги, албатта, кузатган мақсадига эришмоқ билангина пойдор бўларди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ПОЙИНТАР-СОЙИНТАР 1 Мазмуни бир-бирига қовушмаган, боғланмаган; пойма-пой, маъносиз. *Пойинтар-сойинтар гап.* ▬ *Ашуртой ака кайф аралаш нима деяётганини ўзи ҳам яхши сезмасди – пойинтар-сойинтар гапирарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Маллаевнинг пойинтар-сойинтар туюлган гапларидан бир нима илғамай, аста ташқари чиқди.* «Ёшлик».

2 *с.т.* Гандираклаган, алпон-талпон. *Пойинтар-сойинтар қадам ташламоқ. Пойинтар-сойинтар юрмоқ.*

ПОЙКЎП [*ф.* پای‌کوب – оёққа урувчи, босувчи; оёқ билан босилувчи] Обжувознинг шоли янчадиган, бир учи босилганда, иккинчи учи кўтарилиб тушадиган қисми, обжувознинг гурзиси. *Яқин орадаги обжувоз пойкўпининг зарби ерни силкитиб-силкитиб тўлқин берар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жувозкашнинг пойкўпи гупиллашдан тинган, қамишзор шовулламас, фақат қаердадир, кўл ичида, урғочи оқчорлоқнинг хунук қаҳқаҳаси эшитилар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ПОЙКЎПХОНА *шв.* Жувозхона, обжувоз.

ПОЙКЎПЧИ *шв. айн.* **жувозкаш**. *Маҳалламизда 3 қўшни нари, Қосимбой деган катта пойкўпчи бўлиб, унинг 4–5 жойда катта-катта жувозлари, гуручбозорда 5–6 та дўконлари бўлар эди.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

ПОЙЛАМОҚ 1 Бирор кимса ёки нарсанинг келишини кутмоқ. *Трамвай пойламоқ.* ▬ *Эндигина ўн уч ёшга кирган Усмонжон эса кундузи одамларнинг келишини пойлаб, бир-икки танга пул ишлар..* С. Зуннунова, Олов. *Ахир, бу бола тили чиққандан бери дадасини йўқлайди, келишини кутиб, йўлини пойлайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бекатда чамадонини ёнига қўйиб ўтириб, автобус пойлади.* «Ёшлик».

2 Бирор воқеа ёки ҳодисанинг содир бўлишини, рўй беришини кутмоқ. *Ёмғир тинишини пойламоқ.* ▬ *Бошқа уйларда қариндош-уруғлар ва никоҳни пойлаб ётган.. хотинлар бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дошқозонда қайнар сумалак, Онахонлар тонгни пойлайди.* «Саодат».

Пайт (*ёки* **фурсат**) **пойламоқ** Қулай фурсатни кутмоқ. *Куёв билан келин пайт пойлаб, бир-бирларининг атрофида анчагина айланиб юришди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Пайт пойлаб юрарди, мана бугун ўша пайт келди..* М. М. Дўст, Лолазор. *Фурсат пойлаб, атрофида айланишиб юраверади.* «Шарқ юлдузи».

3 Бирор кимса ёки нарсанинг хавфсизлигини, дахлсизлигини сақламоқ, қўриқламоқ. *Нега бойлар уйин пойлаб, Томда шамдек қотамиз!* Ҳамза. *Мингбошининг дарвозасини миршаб пойлаб турибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Зимдан кузатмоқ, таъқиб қилмоқ; пайида бўлмоқ. *Уни бирдан қўрқув босди: гўё аллақандай яширин кўзлар теваракдан уларни пойлаб тургандек сезилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пойлаб борибсан-да, ҳаммасини кўрибсан-да..* С. Аҳмад, Сайланма.

5 *с.т.* Мўлжалга, нишонга олмоқ, мўлжалламоқ. *Айиқнинг оёғини пойлаб ўқ узмоқ. Олмани пойлаб тош отмоқ. Қуённи пойлаб отмоқ.* ▬ *Аждарнинг тўхтаганини пойлаб туриб, яна иккинчи кўзига ёйдан ўқ отиб юборди.* М. Маҳмудов, Булбулигўё.

Гап пойламоқ Бировларнинг гапига зимдан қулоқ солиб, маълумот тўпламоқ, гап ўғирламоқ. *Гап пойламоқ сиздан лозимми, ахир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қайси бурчакдадир бекиниб, гап пойлаб ётган Раҳим «Тарзан»ни эргаштириб келди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Оғзини пойламоқ** Бировнинг белгили бир масала юзасидан нима дейишини, қандай мулоҳаза билдиришини ёки жавоб айтишини кутмоқ. *Низом бўлса тўнг, кечгача оғзини пойласанг ҳам, бир сўз чиқмайдиган камгап бола бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Нусратбек ўзини қийнаб юрган саволларга бир йўла нажот топадигандек унинг оғзини пойлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Қадамини пойламоқ** 1) кимсанинг юриш-туришини зимдан

кузатмоқ, таъқиб қилмоқ. *Яхшибоев сассиз кулди. Таърифи шуки, ўлгудай хира, деб ўйлади, касалхонада менга қўшни, қадамимни пойлайди.* М. М. Дўст, Лолазор; 2) кимсанинг келишини зориқиб, интизор бўлиб кутмоқ.

ПОЙЛОҚ Пойлоқчи турадиган жой; соқчилик, қоровуллик. *Тўра [навкарларга] нонушта қилишни, отларни суғоришни буюрди. Беш отлиқни пойлоққа қўйди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ПОЙЛОҚЧИ 1 Бирор кимса, нарса ёки жойни сақлаб, қўриқлаб турадиган, бирор хавф юз берганда, уни даф қилиш учун чора кўрадиган киши; соқчи. *Бу ҳам майли, Комил билан Инобатнинг ўтирганини айтинг пойлоқчи бўлиб!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Соқчилар бу ерда пойлоқчи бўлиб ўтирганларидан жуда асабий эдилар. Чунки ҳозир бошқа ғолиблар Бобур тарафдорларининг молу мулкларини талон-торож қилиб бойимоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кам қўлл.* Айғоқчи, жосус. *Сардор буларни Ҳирот ва Тежен йўли томонларига пойлоқчи қилиб юборган эди.* С. Айний, Қуллар.

3 *с.т.* Аниқ мўлжалга олувчи; мерган.

ПОЙЛОҚЧИЛИК 1 Соқчилик, қўриқчилик. *Ана шундай пойлоқчилик қилиб юрган кунларининг бирида бўрини кўрди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Укалари ҳам навбат билан пойлоқчилик қилишибди. Ортиқ ҳеч нарса рўй бермабди.* «Чалпак ёққан кун». *Худойбердиев билан Козлов хандақни чуқуррок қазиб, навбати билан пойлоқчилик қилишди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Айғоқчилик, жосуслик. *Парпихўжа ёғчи пойлоқчилик, чақимчиликнинг муваффақиятидан ғурурланиб, кўз учи, қулоғи билан тўплаган маълумотини сўзлаб борар-кан, элликбоши уни тўхтатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПОЙМА-ПОЙ [*ф.* پا بپا – изма-из, кетма-кет] **1** Бир-бирига жуфт ёки мос бўлмаган, жуфти, пойи адашган, бошқа-бошқа, адаш (жуфт ҳолда ишлатиладиган нарсалар ҳақида). *Пойма-пой туфли. Пойма-пой қўлқоп. Пойма-пой пайпоқ.* ▬ *У ҳам шу лаҳза Умидни кўриб, юраги уриб кетди. У Умидга яқинлашган сари, қадамлари беўхшов тушар, пойма-пой туфли кийиб олгандек, қийналар эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Домла ғулдураб, бир нави дуо қилди-да, калишини аввал пойма-пой кийиб, букчайиб, бошқатдан тўғрилаб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Мазмуни бир-бирига боғланмаган, қовушмаган, пойинтар-сойинтар, телба-тескари. *Пойма-пой гап. Пойма-пой сўзлаб бермоқ.* ▬ *Асрора Каримжоннинг келишини кутиб, дунёдаги жами ташвишларни унутган, гаплари ҳам аллақандай пойма-пой, қилиқлари ўзига ярашмагандек, ерда юраётганга эмас, осмонда учиб юрганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Гавҳар уни кўрганида ҳам, пойма-пой гапларини эшитганида ҳам индамай тураверди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПОЙМОЛ [*ф.* پایمال / پامال – топталган, оёғости қилинган, йўқ қилинган]: **поймол бўлмоқ** 1) оёқ остида эзилмоқ, босилмоқ, топталмоқ; пайҳон бўлмоқ. *Пайҳон бўлган экинлар.* ▬ *Қорахитой саросима бўлиб, тоққа қочди, неча минг аскари бизнинг отлар оёғи остида поймол бўлди.* М. Осим, Карвон йўлларида; 2) *кўчма* оёғости бўлмоқ, барбод бўлмоқ, йўққа чиқмоқ; таҳқирланмоқ. *[Воҳид] Ҳамма орзу-умидлари поймол бўлишини тасаввур этмаган эди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Унинг бу нидоси ниятига етмаган, армони ичида қолган, юрак-бағрини ўртаган туйғулари поймол бўлган аёл кишининг нидоси эди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Поймол қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) оёқ остига олиб эзмоқ, босмоқ, топтамоқ; пайҳон қилмоқ. *Экинзорни поймол қилма;* 2) *кўчма* оёғости қилмоқ, барбод қилмоқ, йўққа чиқармоқ; таҳқирламоқ. *Ўл-а, опанг гапирса, алам қилганди! Баттар бўл, ғурурингни поймол қилишингга оз қолди-ку! Тағин нима керак сенга!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Одоб, ҳаё-чи? Ота-она олдида одобни унутсин, ҳаёни поймол қилсинми? «Менга фалончини олиб беринглар!» десинми?* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ПОЙНАК [*ф.* پاینوک < – «паст, остки қисм» с. дан] **1** Тухумнинг тўмтоқ томони, кети. *Қарға тухумининг пойнак томонида оқсил тухум пўчоғига етмайди.* «Зоология».

2 *махс.* Пичоқ, ханжар, қилич ва ш.к. асбоблар қинининг учига кийгизиб қўйиладиган, қинни тешилишдан сақлайдиган металл учлик. *Мис пойнак.* ▬ *Пойнаги тупроққа беозор, сассиз санчилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПОЙНАКЛИ Пойнакка эга, пойнаги бор (*қ.* **пойнак 2)**. *Тукли чакмон ичидан, яктак устидан икки қават белбоғ боғлаган, бирида носқовоқ, бирида жез пойнакли, дандон соп пичоқ билан соқолтароқ осилган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПОЙНОВ [*ф.* پائين‌آب ёки پای‌ناو – новнинг, сув йўлининг охири, адоғи] Ариқ, ҳовуз ва ш.к. нинг ортиқча суви оқиб чиқиб кетадиган томони, этаги. *Сув эгатларда оқмоқда, қақраган тупроққа сингиб, эгатнинг пойновига томон аста йўл олмоқда.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Опаси кўлтиқтаёғини остига қўйгани ҳолда ҳовузнинг пойнови томонда ўлтирар ва қурумли қўлларини латта билан секин-аста ишқар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Пойнов ариқ *шв.* Ортиқча сув оқиб чиқиб кетадиган ариқ, оқова ариқ. *Янги усул беш тармоқ ва пойнов ариқларни йўқотиш.. шу орқали экин майдонини кўпайтиришга имкон беради.* Газетадан.

ПОЙТАХТ [*ф.* پایتخت – тахтнинг қуйи, этак қисми, асоси] Давлатнинг бош шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий ва маданий маркази. *Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳридир.* ▬ *Тошкентим, порлаган пойтахтсан бу кун, Юксалди кўксингда не-не қасрлар.* А. Орипов, Йиллар армони. *Мен тажриба орттириш мақсадида Ўзбекистон пойтахтига келган эдим.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПОЙТЕША [*ф.* پای‌تیشه – шакли оёқнинг тагига ўхшаш теша] Тик туриб ёғоч йўниш ва текислаш учун ишлатиладиган, дастаси узун катта теша. *Жами меҳнатга яроқли эркаклар арраю пойтешасини кўтариб, Самарқанд, Каттақўрғон тарафларга устачилик қилишга кетадилар.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Долимбой пойтешани қалин пайраҳалар устига эҳтиёт қилиб қўйиб, сўрига келиб ўтирди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПОЙУСТУН [*ф.* پای‌ستون – устун ости, таглиги] *бнк.* Маҳаллий меъморчиликда: устун ўрнатиладиган асос, таг курси.

ПОЙЧА [*ф.* پایچه] *шв. айн.* **поча 1-3.** *Шимнинг пойчасини қайтармоқ.* ▬ *Сўнгра кийикни чалқанчасига ағдариб, орқа оёғининг пойчасини кесиб, дамлашга ҳозирлади.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ПОЙҚАДАМ [*ф.* + *а.* پای‌قدم – оёқ изи, оёқ ости] **1** Оёқ; оёқ изи, йўл; оёқ ости. *[Ғофир:] Ёлғиз гавҳардан тиниқ, қуёшдан ҳам юксак муҳаббатим бор, холос! Сенинг пойқадамингга сочмоқ учун зарларим йўқ!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ахир у ёшликдан орзу қилган ниятига етди.. геология алломаларининг муборак пойқадами етган тоғтошлардан кўтарилди, уларнинг қутлуғ қўллари теккан тоғ жинсларига болға урди.* С. Кароматов, Олтин қум. *-Усмон отанинг пойқадами етди-ю, ҳамма ёқда боғлар пайдо бўла бошлади, – деди Жўра ака.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Қадам қўйиш, ташриф буюриш, келиш. *Ўша ўқитувчининг пойқадамидан ўргилай [деди Рихси хола].* С. Зуннунова, Янги директор. *-Пойқадамларингиз қутлуғ келди, – деди биз билан кўришаркан биринчи котиб.* Газетадан. *Оғайниларининг пойқадами биланми ё дори-дармоннинг нафи туфайлими, Шаҳоб чиндан ҳам одатдагидан тезроқ оёққа турди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ПОК I [*ф.* پاک – тоз, покиза; иффатли, уятчан] *кт.* **1** Топ-тоза; гард-ғубор, кир, чанг кабилардан холи; покиза. *Пок булоқлар. Пок идишлар.* ▬ *Шунқор кўкрагингиз истеҳкомдан зўр, Чунки пок ҳавода олмишдир нафас.* Ғ. Ғулом. *Ҳар қандай ҳайвон териси ҳам ошланса, тоза ва пок бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Номига гард юқмаган, ҳалол, соф, мусаффо, тўғри. *Нормурод отанинг виждони пок, у ўз виждонига хилоф иш қилгани йўқ.* О. Ёқубов, Диёнат. *Врач юксак унвонлар эгаси бўлиши шарт эмас, лекин пок виждонли бўлиши керак.* Газетадан. *Фақат бизнинг пок ниятимизга шубҳа билан қарайсизлар!* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Ўзининг гард қўнмаган, нурдан пок туйғуларини кимга ишониб топшираётганини у билмаса, Ёдгорга аён-ку!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *кўчма* Холи. *Ўн минутдан кейин йигит хотинининг ҳар қандай шубҳадан пок эканига ишонди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Биринчи фазилат: буларнинг дили ҳасад, бахиллик деган қабиҳ туйғудан пок.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПОК II [*ф.* پاک – тўлиқ, тамомила, батамом, мутлақо] **1** *рвш. с.т.* Бутунлай, батамом, паққос. *-Яхши ҳам чол шаҳарга ўрганмаган итни, адашиб кетишидан қўрқиб,*

эшакнинг қанжиғасига боғлаб олган экан, бўлмаса, пок титиғимни чиқарар экан, – деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. *Шу эримга кал новвойнинг қизи ҳазиллашиб, тегаман деса, пок бўғиб ўлдириб қўяй деган эканман.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПОКДИЛ [*ф.* پاکدل – дили, кўнгли пок, тоза] Кўнглида кири йўқ, виждонли, дили пок, софдил ва самимий. *Покдил кишилар.* ▬ *-Меъмор саломатлар, – деди мешкобчи кулолга жилмайиб, – сиз мендан кўп нарсаларни сўраяпсиз, кулол. Энди ҳеч нарса сўраманг, билмайман! Сизни покдил одам деб биламан.. хайр, мен кетдим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ПОКДОМОН [*ф.* پاکدامن – этаги, бари тоза: гуноҳсиз, айбсиз; иффатли; соф, ҳалол] Ор-номусини сақлаган; иффатли, номусли, ҳалол. *Покдомон хотин.* ▬ *Наҳотки шундай покдомон одамнинг хонадони эгри кўчага киришга мажбур бўлса! Пора берса!* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Ўзини Искандарга покдомон қилиб кўрсатмоқчи, шу баҳона оқлаб олмоқчи экан-да?* «Ёшлик». *Наҳот энди ҳаммасига сен жавоб берсанг, Ахир ўзинг покдомонми, шунинг ўзи бас.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПОКИЗА [*ф.* پاکیزه – тоза, соф; иффатли; бенуқсон; ёқимли] **1** Топ-тоза, пок. *Покиза идиш. Покиза кийим.* ▬ *Она табиатимизни ҳамиша тоза, покиза сақлаш ҳақида қайғурмоғимиз лозим.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. *Булоқ суви қанчалик беғубор ва покиза. У тоғ бошидан ана шу сифатлари билан пастга интилади.* «Ёшлик». *Одам деган покиза юриши керак. Тоза юрган одамнинг табиати равшан бўлади.* С. Аҳмад, Суд.

2 *кўчма* Ҳалол, пок, тўғри; соф, мусаффо. *Олима [Ҳадича Сулаймонова] ҳаётининг охирига қадар халқ учун покиза виждон билан хизмат қилди.* «Саодат». *Оқкўнгил, покиза, ҳалол ўқитувчининг яшаш тарзи, фикрлаш йўсини доимо барча учун мактаб бўлиб келган.* «Фан ва турмуш». *Покиза кўнгли билан, баъзан ўта қаттиқ қаҳри, баъзида жуда юмшоқ меҳри билан боғлаб олган.* С. Зуннунова, Олов.

3 Озодаликка қаттиқ риоя қиладиган, озода. *Покиза аёл.* ▬ *Карим ака ниҳоятда покиза, содда эди.* «Ёшлик».

ПОКИЗАЛАМОҚ Покиза қилмоқ, тозаламоқ. *Баданини покизаламоқ. Уйни покизаламоқ.* ▬ *Йўнғичқа [янги кўкарган беда]. Иссиқлик нарса.. ички аъзоларни меъёрида тозалайди.. сиқиб чиқарилган селини ярачақага суртилса, покизалайди..* Газетадан.

ПОКИЗАЛИК **1** Тозалик, поклик. *Кийимнинг покизалиги. Идиш-товоқнинг покизалиги.* ▬ *Аввал [қишлоғи] бозорига бориб, савдо-сотиқ қилаётган эркак-аёлларга ҳам ҳифзи сиҳат, покизаликнинг фойдасини қайта-қайта тушунтирар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Ҳалоллик, поклик, тўғрилик. *Аввалига ётсираш, бегоналик уни қийнади. Кейин эса Мирзони одамларнинг ўша баланд тоғлардай улуғ қалби, покизалиги ўзига ром қилиб олди.* «Ёшлик».

ПОКЛАМОҚ *кт.* Пок, тоза қилмоқ, тозаламоқ. *Мунисхон ўз устидан оғир бир юк тушгандай яйраб кетди-да, шу ондаёқ бу гуноҳнинг бутун ғуборидан кўнглини поклашга шошилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Фақат меҳнат одамни ҳар қусурдан поклайди, меҳнат.* М. Бобоев, Гўзаллик истаб. *У сувпуркагични айлантириб, ваннахонанинг ҳамма ёғини ораста ювиб, поклаб чиқди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ПОКЛАНМОҚ **Покламоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Гуноҳлардан покланмоқ.* ▬ *..Биз иқтисодий йўналиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан уйғун бўлишини истаймиз.* Газетадан.

ПОКЛИК Соф виждонлилик, ҳалоллик, софлик, тўғрилик. *Мана унинг мен яхши кўрган жилмайиши! Кўнглининг поклиги, ишонч, меҳр – ҳаммаси шу жилмайишда.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Замонлар ўтар, фидойилик, самимийлик, поклик – буюк туйғулигича қолар.* «Саодат». *Мен учун биринчи ўқитувчим ҳалоллик, поклик рамзи эди.* Газетадан.

ПОК-ПОКИЗА I **1** Топ-тоза, ниҳоятда тоза, озода. *Пок-покиза ҳусндек Тун-кун хаёлимдасан.* С. Акбарий.

2 *кўчма* Соф виждоний, ҳалол, мусаффо. *Ўқитувчи! У пок-покиза туйғуларга тўла қалб меъмори.* «Саодат».

ПОК-ПОКИЗА II *рвш. с.т.* Бутунлай, батамом, пок, паққос. *Паловни пок-покиза туширди.* ▬ *Хўш деганингиздан билсак, ҳалиги энг яхши қандак ўрикдан уч пуд, Каттақўрғон магизидан беш пуд; магиз билан ўрикни бир оз қурт еган бўлса ҳам, пок-*

покиза уриб кетишипти, азаматлар! Ҳамза, Танланган асарлар.

ПОКРИШКА [*р.* покрышка < покрывать – «қопламоқ, ўрамоқ, устини ёпмоқ» фл. дан ясалган от] Автомобиль ва ш.к. ғилдираги шинасининг муайян ҳаво босими остидаги камерани қоплаб, тутиб турувчи, қалин резинадан ишланган қобиқ қисми.

2 Футбол ёки волейбол тўпининг камерасини қоплаб, тутиб турувчи чарм жилд, қобиқ. *Покришканинг ичига камерани қўймоқ.*

ПОКРИШКАЛИ Покришкага эга, покришкаси бор. *Унинг қайишиб кетган ёғоч ғилдираги ўрнига, худди раис миниб юрадиган «Победа» машинасиникидай, йўғон покришкали ғилдирак ўрнатилибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ПОЛ I [*ф.* پل / پال (пал) – экин майдонининг атрофи марза билан кўтарилган ҳар бир қисми] *қ.х.* **1** Экин майдонининг атрофи марзалар билан тўртбурчак шаклида кўтарилган ва бостириб суғориш учун мосланган бир бўлаги. *Бир пол шоли. Икки пол пиёз. Полга сув қўймоқ.* ▬ *Чарақлаб офтоб чиқиб, шоликорлик полларини тўлдирган ёмғир сувларини ойнадек ялтиратди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тушгача аранг уч пол ердаги пичанни ўриб олдим.* «Ёшлик».

Пол олмоқ (*ёки* **қилмоқ)** Атрофини марза билан ўраб, ерни пол шаклига келтирмоқ. *Пол олиб, пиёз уруғи сепмоқ.* ▬ *Барча экин майдонлари йигирманчи ноябрдан йигирманчи декабргача пол олиб, икки марта қалқитиб суғорилади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 *с.т.* Марза. *Пастга экдим шолини, Баланд кўтар полини.* «Қўшиқлар».

ПОЛ II [*р.* пол – ер; замин, асос] **1** Уйнинг, хонанинг оёқ босиб юриладиган ва ўтириладиган сатҳи. *Тахта пол. Паркет пол. Цемент пол.* ▬ *Қурбонбой, хотинларнинг ҳайҳайлашига қарамай, полни ҳам ўзи ювди, гиламни ҳам ўзи кўчага олиб чиқиб, қоқиб келди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Зулайҳо яланг оёқлари билан полни чип-чип босиб, унинг тепасига келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Уйнинг, хонанинг оёқ босиб юриладиган сатҳига қопланган тахта ёки паркет. *Пол тахтаси. Пол қоқмоқ.*

ПОЛАПОН 1 *қ.* **палапон.** *Фил йўлда бора туриб, тўрғайнинг уйини босиб, полапонларини янчиб ташлабди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Юлғун орасидаги беланчак инда ётган полапонлари сап-сариқ оғизчаларини индан чиқариб, бир овоздан чирқиллай кетадилар.* М. Мансуров, Ёмби. *Бир она чумчуқ дарё ёқасидаги жарликка ин қўйиб, учта бола очибди. Бироқ дарё суви кўтарилиб, полапонлар хавф остида қолибди.* Газетадан.

2 *кўчма қ.* **палапон 2.** *Қани, полапонларим, дарров туриб, юзларингни ювингларчи? Кейин тоғангникига борамиз.* Газетадан.

ПОЛВОН [*ф.* پهلوان / پالوان – бақувват, ботир, қаҳрамон, баҳодир] **1** Жисмоний жиҳатдан кучли, бақувват киши; баҳодир, паҳлавон. *Кўрсатур ўз ғайратин иш узра, роҳат истаса, Рўзғори гулламас, меҳнатда полвон бўлмаса!* Ҳабибий. *У аслида жуда кўркам ва полвон йигит бўлиб, қоп-қора, чақмоқ мўйлаби ўзига жуда ҳам ярашиб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кураш тушадиган спортчи. *Ахир бу бола не-не полвонларнинг белини букиб, елкасини тупроққа қориштирмаяпти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Миллий кураш бўйича кеча бўлиб ўтган олишувда Абдурайим полвоннинг ютиб чиққани бекор қилиниб, йиқилган Карим полвон фойдасига ҳал қилинди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *73 килограмм вазнли полвонлар ўртасида гиламга чиққан Рустамжон Умаров.. рақиблари курагини ерга текизиб, турнир ғолиби бўлди.* Газетадан.

3 *с.т.* Экскаватор, кўтаргич кран каби машиналарга халқ томонидан берилган ном. *-Миша, полвонингнинг томири бўшаб, хириллаб қолмадими? – деб сўради Валентин етиб келгач.* Ш. Ғуломов, Азим дарёман дебон.

ПОЛВОНЛИК 1 Баҳодирлик, паҳлавонлик. *Салобатидан полвонлиги кўриниб турарди.*

2 Полвонларга хос иш, хатти-ҳаракат, қаҳрамонлик. *Душман бўлса, омон кетмас қўлимдан, Полвонлик бобида мени кам дема!* «Ёдгор». *[Бой:] Холмат! Полвонлигингни кўрсат дейман!* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПОЛИ- [*юн.* poly – кўп, анча, кўпгина] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: бирор нарсанинг кўплигини, хилма-хил, мураккаб таркибли эканини кўрсатади (мас., *полиартрит, полигон*).

ПОЛИАРТРИТ [поли.. + *юн.* arthron – бўғим, бўғин] *тиб.* Бир неча бўғимларнинг бир вақтда ёки кетма-кет яллиғланиши.

ПОЛИГАМИЯ [поли.. + *юн.* gamos – никоҳ] **1** Кўп никоҳлилик: кўп хотинлилик ёки кўп эрлилик; кўпинча кўп хотинлиликни ифодалаш учун нотўғри қўлланади.

2 Ҳайвонларда: муайян жинснинг бир мавсум давомида ўзига қарама-қарши бир неча жинс билан қўшилиши.

ПОЛИГЛОТ [поли.. + *юн.* glotta – тил] Кўплаб тилларни билувчи киши. *Японияда туғилиб ўсган Наори Такедани бемалол полиглот дейиш мумкин, чунки у япон, итальян ва испан тилларини мукаммал билади.* Газетадан.

ПОЛИГОН [*юн.* polygonos – кўп бурчакли < поли.. + gonia – бурчак] **1** *геом.* Кўп бурчак(лик); текисликдаги синиқ чизиқ.

2 *ҳарб.* Қуруқлик ёки денгизнинг махсус иншоотлар, қурилмалар билан жиҳозланган ва ҳар хил қуроллар ва жанговар техникани синаб кўраш, шунингдек, ҳарбий машқлар ўтказиш учун мўлжалланган қисми. *Артиллерия полигони.* ▬ *Капитан полигонда солдатларнинг қаерда эканликларини билиш мақсадида улардан бирига мурожаат этди.* Газетадан. *Ўқув синфлари, полигонларда машғулотлар қизғин олиб борилмоқда.* Газетадан. *Шимолий Корея ядро полигонларида кузатилаётган фаоллик шундан дарак беради.* Газетадан.

3 *бнк.* Йиғма қурилиш конструкциялари ва қисмлари (мас., темир-бетон панеллари) тайёрлаш учун махсус жиҳозланган очиқ майдон.

4 *кўчма* Муайян иш-ҳаракат, фаолият билан шуғулланиш майдони, соҳаси. *Қизиқ, аслида инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш асосий мақсадга айланаётган даврда мафкурамиз полигонларини кучайтириш, ривожлантириш ўрнига майдонни индамайгина, қўл қовуштириб бошқаларга бериб қўядиган замонми ҳозир?* Газетадан. *Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ.* Газетадан.

ПОЛИГРАФИК Полиграфияга оид, алоқадор. *Баъзи туман газеталарининг полиграфик базаси ҳамон ночор.* Газетадан. *Бу ҳол нашрлар тиражининг кўпайганлиги, полиграфик сифатининг яхшиланганлигида ҳам кўриниб турибди.* Газетадан.

ПОЛИГРАФИСТ Полиграфия саноатининг ишчиси; полиграфия мутахассиси.

ПОЛИГРАФИЯ [*юн.* polygraphia – кўп ёзиш < поли.. + *юн.* grapho – ёзаман, ёзяпман] Техниканинг китоб, газета, журнал, плакат каби босма маҳсулотлар тайёрлаш ва чоп қилиш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олган тармоғи. *Полиграфия саноати.* ▬ *Полиграфия аста-секин меҳнаткашларни маънавий руҳда тарбиялашнинг қудратли ишлаб чиқариш базасига айланди.* «Фан ва турмуш».

ПОЛИДАКТИЛИЯ [поли.. + *юн.* daktylos – бармоқ] *тиб.* Кўп бармоқлилик: қўл ёки оёқ панжасида ортиқча бармоқ(лар) бўлиши.

ПОЛИЗ [*ф.* پاليز] Қовун, бодринг каби палак отиб ўсадиган экинлар экиладиган майдон, пайкал. *Полиз экинлари. Полизни суғормоқ.* ▬ *Ана, икки ёндаги пахса деворлар чекиниб, олдинда теп-текис полиз кўринди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Полизларда қовун-тарвузлар ширага тўлган, ишкомлар ҳосилдан бели букилиб қолган тўкин, баракали куз боши эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПОЛИЗЧИЛИК Полиз экинлари экиш ва етиштириш; полиз хўжалиги. *Жамоада боғдорчилик ва полизчилик масалалари ҳал этилди.* Газетадан.

ПОЛИКЛИНИКА [*юн.* polis – шаҳар + klinike – даволаш < kline – ўрин-кўрпа] Қатнаб даволанувчиларга, шунингдек, уйдаги беморларга турли касалликлар бўйича тиббий ёрдам кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаси ҳамда шу муассаса жойлашган бино. *Поликлиникага даволаниш учун қатнамоқ. Поликлиника врачи.* ▬ *Махсус поликлиника – 50 каравотлик шифохона турли касалликларни даволашга мослаштирилган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ПОЛИМЕР Полимерларга оид, полимерлардан иборат. *Полимер моддаларнинг молекулалари.. бир неча минг ва миллионлаб атомлардан таркиб топгандир.* «Фан ва турмуш». *Тошкент кимё-технология институтининг конструкторлик бюроси полимер иситкичлар яратди.* «Фан ва турмуш».

ПОЛИМЕРЛАНИШ, полимерлаш *ким.* Қуйи молекулали модда (мономер)ларнинг муайян кимёвий боғ орқали бирикиб, юқори молекулали бирикма (макромолекула)лар ҳосил қилиш жараёни.

ПОЛИМЕРЛАР [*юн.* polymeres – кўп қисмлардан ташкил топган; хилма-хил] *ким.* Молекулалари бир ёки бир неча турли кўп сонли такрорланувчи ҳалқалар – мономерлардан ташкил топган, юқори (кўп) молекулали кимёвий бирикмалар (синтетик материаллар, пластмассалар, резина, лак-бўёқ моддалари ва б. тайёрлашда хомашё сифатида ишлатилади). *Ҳозирги полимерлардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда.* «Фан ва турмуш».

ПОЛИНЕВРИТ [поли.. + *юн.* nevron – нерв] *тиб.* Қўл-оёқ нервларининг бир вақтда касалланиши.

ПОЛИОМИЕЛИТ [*юн.* polios – кулранг + myelos – орқа мия] *тиб.* Марказий нерв системасининг (орқа мия кулранг моддасининг) зарарланишидан келиб чиқадиган, кўпинча болаларда бўладиган оғир юқумли касаллик. *Унинг [ўсмирнинг] танасида полиомиелит касаллигидан қолган асорат шундоққина билиниб турибди.* «Фан ва турмуш».

ПОЛИП(ЛАР) [*юн.* polypus < поли.. + pus – оёқ] *тиб.* Сурункали яллиғланиш натижасида шиллиқ парданинг маълум қисмларида ҳосил бўладиган сўрғичсимон ўсиқчалар.

ПОЛИС I [*юн.* polis – шаҳар-давлат] *тар.* Юнонистон ва Қадимги Римда муайян бир шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудни қамраб олувчи шаҳар-давлат.

ПОЛИС II [*фр.* police < *итал.* polizza – тилхат, патта] Суғурта жамияти томонидан суғурта қилинган шахс ёки муассасага бериладиган ва суғурта шартномаси ва унинг шартларини тасдиқлайдиган гувоҳнома.

ПОЛИСЕМАНТИК *тлш.* Кўп маънога эга бўлган; кўп маъноли. *Полисемантик сўзлар.* ▬ *Фразеологик антонимлар моносемантик ва полисемантик бўлиши мумкин.* «ЎТА».

ПОЛИСЕМИЯ [поли.. + *юн.* sema – белги] *тлш.* Бир сўз ёки белгининг бир неча маънога эга бўлиши, кўп маънолилик. *Полисемия тилшуносликнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.* «ЎТА».

ПОЛИТЕИЗМ [поли.. + *юн.* theos – худо] Бир неча худога сиғинувчи, бир неча худони эътироф этувчи дин ёки диний эътиқод, кўп худолилик; *зид.* **монотеизм**.

ПОЛИТЕХНИЗМ [поли.. + techne – санъат, маҳорат; касб-ҳунар] Мактаб ўқувчиларини ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари билан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таништиришни мақсад қилиб қўйган таълим тизими.

ПОЛИТЕХНИК 1 Политехнизмга оид. *Политехник таълим.*

2 Техниканинг турли соҳаларини ўрганиш ва турмушга татбиқ қилиш билан боғланган. *Политехник институт. Политехник музей.*

ПОЛИТЕХНИКА Техника тармоқлари мажмуи. *Политехника музейи. Политехника таълими. Политехника институти.* ▬ *Зал бирдан жимиб қолди. Устахонаси йўқ мактабда қандай қилиб политехника таълими йўлга қўйилиши мумкин эканини билишга қизиқиб, директорнинг оғзига тикилишди.* С. Аҳмад, Сайланма. *-Ёдгор.. Ёдгор Мирзаев.. Политехника институтида ўқийди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПОЛИТОЛОГИЯ [*юн.* polis – шаҳар, давлат + logos – фан, таълимот] *қ.* **сиёсатшунослик.**

ПОЛИТРУК [*р.* политический руководитель – «сиёсий раҳбар» бирикмасининг қисқартмаси] *тар.* Ҳарбий қисм ва бўлинмаларга сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича раҳбарлик қилувчи, сиёсий ва жанговар тайёргарлик учун командир билан тенг жавоб берувчи шахс (1942 йилга қадар). *Беш хонали ёғоч уйга рота командирлари, политруклар, штаб командирлари йиғилдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПОЛИТУРА [*нем.* Politur < *лот.* politura – безак, безаш, силлиқлаш] Ёғоч буюмлар сиртини пардозлаш учун ишлатиладиган лак-бўёқ материали.

ПОЛИУРИЯ [поли.. + *юн.* uron – сийдик] *тиб.* Сийдикнинг ҳаддан ташқари кўп ажралиши.

ПОЛИФОНИЯ [поли.. + *юн.* phone – товуш, овоз] *мус.* Икки ёки бир неча овоз (куй)нинг бир пайтнинг ўзида уйғун ҳолда қўшилиши ва ривожланиб боришига асосланган кўп овозлилик тури.

ПОЛИЦИЯ [*нем.* Polizei < *юн.* politeia – давлатни бошқариш; маъмурият] **1** Айрим мамлакатларда: мавжуд ижтимоий ва давлат тузумини ҳимоя қилувчи, жамоат тартибини сақловчи, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашувчи маъмурий органлар тизими. *Полиция маҳкамаси олдидан ўтар-*

кан, ҳар кимни титроқ босар, унинг жабрини, даҳшатини халқ ҳар кун, ҳар соат, ҳар минут тотиб турарди. Ойбек, Танланган асарлар. *Италия полицияси мамлакатнинг марказий ва жанубий районларида жиноятчиликка қарши катта кураш операцияси ўтказди.* Газетадан.

2 *айн.* **полициячи.** *Одамлар бурчак-бурчакда тўхтаб, бир-бирларидан янгиликларни суриштиришар, ҳар қадамда кўчма митинглар бўлаётганди. Полиция, миршабларнинг эса қоралари кўринмасди.* К. Яшин, Ҳамза. *Полиция ўтказган ялпи тинтув вақтида ўттиздан кўпроқ контрабандист қамоққа олинди.* Газетадан.

ПОЛИЦИЯЧИ Полиция хизматидаги киши, полиция ходими. *Шаҳарда ўрнашиб олган полициячиларни тор-мор қилиш зарур эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Полициячилар роса синчиклаб текшириб чиқишди..* «Фан ва турмуш».

ПОЛИЦМЕЙСТЕР [*нем.* Polizeimeister – полиция бошлиғи] *тар.* Чор Россияси ва баъзи Ғарбий Европа давлатларида: катта шаҳарлар полициясининг бошлиғи. *..Тошкент эски шаҳар полицмейстери Колесниковнинг Олмазор маҳалласидан туриб, халқни – бола-бақра, ёш-қари, хотин-қиз демай оттириши.. ҳам жойларда бирин-кетин кўтарилган норозилик қўзғолонлари алангасини ўчиролмади.* К. Яшин, Ҳамза.

ПОЛИЭТИЛЕН [поли.. + этилен] Этиленни полимерлашдан ҳосил қилинадиган оқ ёки рангсиз шаффоф, қаттиқ модда; синтетик полимер (ўров материаллари, электротехникага оид буюмлар, қувурлар ва ш.к. ишлаб чиқаришда қўлланади). *Иморатларнинг кўпгина деразаларига полиэтилен плёнка қоқилган.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Сўнгра ундан [ҳовуздан] боғ томонга қаратиб.. полиэтилен қувурлар тортилади.* «Фан ва турмуш». *Жорий йилнинг ўтган даврида.. озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган 18 миллион дона полиэтилен қоплар тайёрланди.* Газетадан.

ПОЛК [*р.* полк – бир гала, тўп (қиз); тўда, оломон; қўшин] Одатда дивизия ёки бригада таркибига кирадиган ва бир неча батальон ва ротадан ташкил топган ҳарбий қисм. *Пиёда аскарлар полки. Танкчилар полки.* ▬ *Эрталаб госпиталь жойлашган боғ олдидаги майдонга бутун полк йиғилди.* О. Ёқубов, Излайман. *Полк икки кунли маршдан кейин бепоён, кун тушмас қалин бир ўрмонга ўрнашганича қолиб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ПОЛКА [*р.* полка – девордаги идиш токчаси] **1** Идиш-товоқ, китоб кабилар қўйиш учун деворга ёки шкафга ўрнатилган, тахта ёки қаттиқ материалдан қилинган токча. *Улардан бири ерда тартибсиз сочилиб ётган бир даста китоб ва қандайдир қўлёзмаларни, чувалашиб кетган каноп боғичлардан ажратиб, полкага тахлаш билан банд.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

2 Темир йўл вагонида одам ўтирадиган ёки ётадиган алоҳида жой. *..юқори полкадаги Шерали деразага бағрини бериб ётиб олган, ойнага тиралган бурни пучуқ кўринарди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Менинг жойим юқорида эди. Уни тинчитиб, чамадончамни полкага ирғитдим-да, ўзим ҳам бир сакраб чиқиб олдим.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПОЛКОВНИК [*пол.* polkovnik] *ҳарб.* Подполковникдан юқори, генерал-майордан қуйи офицерлик унвони ва шундай унвонга эга бўлган ҳарбий киши. *Полковник баъзан ҳикоя айтишдан тўхтаб қоларди. Ҳар иккимиз учун ҳам бу сукунат чўзилиб кетганга ўхшарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Полковник солдат ва офицерларнинг жангга тайёргарлиги қандай бораётганлигини текширади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ПОЛЛИ Тагига тахта қоқилган, пол қилинган. *Шерзод катак-катак линолеум полли йўлакдан юриб бораркан, икки кундан буён девор остида турган каравот йиғиб олинганини кўриб, тағин қувонди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ПОЛЛЮЦИЯ [*лот.* pollution – булғаниш, ифлосланиш] *физиол. айн.* **иҳтилом.**

ПОЛОНИЙ [*лот.* Polonium < Polonia – Польшанинг лотинча номидан] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент; юмшоқ кумушранг оқ металл.

ПОЛОСА [*р.* полоса – камбар ер майдони; чарм тасма] **1** Муайян текислик, расм ёки чизмадаги узун текис из; муайян майдон, бўшлиқнинг тор, камбар қисми.

2 Бирор нарсанинг алоҳида, чўзилиб кетган қисми, минтақа. *Довул 200 метрдан 6 километргача кенгликдаги узун энсиз полоса бўйлаб ҳаракатланади.* «Фан ва турмуш».

3 *плгрф.* Терилган матндаги, босма нашрдаги бет, саҳифа. *Мақола газетанинг икки полосасини эгаллади. Газетанинг сўнгги полосасидаги эълон.*

ПОЛОТНО [*р.* полотно – қалин газлама, кийим, ёпинғич] **1** Арқоғи ва ўриши бир хил йўғонлик ва қалинликда бўлган, ипак, ип, каноп ва ш.к. дан тайёрланган пишиқ ва силлиқ газлама ва ундан тикилган кийим. *Ипакли полотно. Штапель полотно.* ▬ *Уларда [дастгоҳларда] ранг-баранг трикотаж полотнолар тўқиш имкониятига эгамиз.* Газетадан. *-Духоба, крепдешин.. полотно, шотландкалар тўқиймиз, – дейишибди чеварлар.* Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар. *Юпқа блузкадан ҳам, крепдешин, полотно кўйлаклардан ҳам унга тўқ кўк шол кўйлак маъқул бўлди.* «Саодат».

2 Одатда бўзсимон махсус матога чизиладиган катта яхлит сурат. *Машҳур рассом полотнолари.* ▬ *Рассом Шарқ аёллари образини яратиш устидаги ишларни давом эттириб, бир қатор ранг-баранг полотнолар яратди.* Газетадан. *Айни кунларда Т. Жамолиддинов янги полотнолар устидаги изланишларини давом эттирмоқда.* Газетадан.

3 *кўчма* Бирор тарихий воқеа-ҳодисани кенг ва ҳар томонлама тасвирлаган бадиий асар. *Т. Қайипбергенов адабиётимизни «Қорақалпоқ достони» номли йирик тарихий полотно билан бойитди.* «ЎТА».

4 *махс.* Темир йўл ёки шоссенинг тош, шағал ва ш.к. дан кўтариб ишланган асоси, кўтармаси. *Олисларга чўзилиб, уфққа сингиб кетган темир йўл полотноси хаёлимни олиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ПОЛЬКА [*чех.* polka – поляк: жабрланган поляклар билан бирдамлик рамзи сифатида шундай номланган] **1** Давра бўйлаб жуфт-жуфт бўлиб, тез, сакраб-сакраб ўйналадиган чех халқ рақси.

2 Шу рақс ритмидаги мусиқа асари. *Андижон полькасига ўйнамоқ.* ▬ *У [Қиёмхон] узоқ ўйнади. «Андижон полькаси», «Лазги», «Дилхирож» куйларига хиром айлаб, дам бошлиққа, дам Ислом отага, дам юбиляр – Фая опага қош учириб, тилла тишларини йилтиратиб им қоқарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 Эркакларнинг соч қўйиш турларидан бири (бунда соч чакка ва орқадан сал олиб текисланади).

ПОЛЯК 1 Польша Республикасининг туб (асосий) аҳолисини ташкил этган халқ (миллат)нинг номи.

2 Шу халққа мансуб (шахс, тил ва ш.к.) *Поляк халқи. Поляк тили. Поляк аёл.*

ПОЛЯКЛАР Польша Республикасининг асосий аҳолисини ташкил қилган, ғарбий славянларга мансуб халқ.

ПОМАДА [*фр.* pommade < pomme – олма (ушбу малҳамни тайёрлашда дастлаб олмадан фойдаланилган)] Турли хушбўй моддалар аралашмасидан тайёрланган косметик восита, суртма малҳам. *Лабга помада суртмоқ.*

ПОМЕШЧИК [*р.* помещик < поместье – «хизматлари учун берилган чек ер» с. дан] *тар.* Чор Россиясида, шунингдек, ер хусусий мулк бўлган мамлакатларда катта ер эгаси.

ПОМИДОР [*итал.* pomidoro < pomo d'oro – олтин олма] Итузумдошлар оиласига мансуб сабзавот ўсимлиги ва шу ўсимликнинг олмасимон юмалоқ, қизил, баъзан сариқ рангли меваси. *Помидор ўзининг дармондорилиги билан жуда қимматлидир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Қандли диабет билан хасталанган беморнинг кундалик овқатида қовоқ, бодринг, укроп, помидор бўлиши керак.* «Фан ва турмуш».

ПОМОЛОГИЯ [*лот.* pomum – мева + *юн.* logos – фан, таълимот] Мевали ва резавор мевали ўсимликлар навлари ҳақидаги фан; навшунослик.

ПОМПА [*голл.* pomp – сўрғич, насос] *махс.* Ортиқча сувни чиқариб ташлайдиган ва ёнғинга қарши қурилмалардаги сув насоси; умуман, суюқликларни тортиб, чиқариб ташлайдиган насос.

ПОНА 1 Нарсаларни ёриш, кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган, бир учи тиғли ёғоч ёки темир. *Темир пона. Ёғоч пона. Пона қоқмоқ. Пона қоқиб маҳкамламоқ.* ▬ *Унинг бир қўлида мушук калласидай калтасоп болға, бошқа қўлида темир пона.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Терлаб қизариб кетган бўлса-да, омбирни пона қилиб, занжирни дўқиллатиб ураверди.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди.

Пона урмоқ 1) нарсаларни ёриш, кериш учун улар орасига (ёриғига) пона тиқмоқ, ўрнаштирмоқ. *Замон тош қатламларини пона уриб кўчирар, икки ённи бўшатиб,*

гурзига йўл очиб берарди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) орага нифоқ солиб, зарар етказмоқ. *Дарҳол ҳар хил шаклга солиб, шу баҳона бирлигимизни бузишга, мафкурамизга пона уришга уринадилар.* Газетадан.

ПОНСАД [*ф.* پانصد – беш юз] *тар.* Хонликлар даврида: аскар бошлиқларига берилган унвонлардан бири ва шу унвонга эга бўлган, одатда 500 кишидан иборат ҳарбий қисмга бошчилик қилган шахс. *Султон Содиқ акалари – Тойчоқ ва Аҳмад билан 1860 йилда Қўқон хони хизматига келиб, понсад унвонини олди.* «Фан ва турмуш».

ПОНТОН [*фр.* ponton < *лот.* pons, pontis – кўприк] **1** Вақтинчалик кўприк, иншоот ва ш.к. ни сув юзида кўтариб туриш учун таянч сифатида ишлатиладиган таги ясси қайиқ.

2 Шундай қайиққа ўрнатилган вақтинчалик кўприк. *Баҳодир жангчилар қўлбола қайиқ ва резинка понтонларда дарёни ҳаммадан олдин кечиб ўтиб, душман истеҳкомларининг дабдаласини чиқариб, у ерда жойлашиб олдилар.* Газетадан. *Бир чеккада устига понтонлар ортган юк машиналари елиб боряпти..* М. Муҳамедов, Одерга.

ПОП I [*юн.* pappas – ота, отахон *ёки лот.* popa – қурбонлик пайтида коҳин ёрдамчиси] Православие черковида ўрта даражали руҳоний. *Поплар қўнғироқларни ура берди, қўнғироқнинг товуши оламни тутди.* «Гўрўғлининг туғилиши». *Рустам камгап бўлиб юрар эди, баъзан бутхонага поп билан бирга бориб, тушган пулларни йиғиб олар эди.* «Ёшлик».

ПОП II *тақл. с.* Бирор нарсага юмшоқроқ нарса билан урилганда чиқадиган товуш. *Қопқоқ поп этиб ёпилди.*

ПОПИЛЛАМОҚ «Поп-поп» этган товуш чиқармоқ. *Китоблар попиллаб ерга тушди.* ▬ *Дакан ерга оғир юкдай попиллаб тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Тўла ўртоғининг юпун пальто тагидан суяги туртиб чиққан елкасига попиллатиб урди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ПОПИЛТИРИҚ *с.т.* **1** Баъзи ўсимликларнинг пояси учида ҳосил бўладиган, етилганда момиқсимон тўзғоққа айланадиган тўпгули, попуги. *Енгил шабада қамишларни шитирлатиб, учларидаги попилтириқларини сувга учиради.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Шокила, попук. *От ёпиғининг попилтириғи.*

ПОПИШАК *зоол.* Олачипор патли, елпиғичсимон тожли, қайрилма тумшуқли ҳашаротхўр қуш; сассиқпопишак. *Аллақаердан учиб келган попишак ўзини товус ҳис қилиб, қуёш нурлари остида товланиб, ўйин қиларди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ПОПЛИН [*итал.* papelino – папага, папа қароргоҳига тегишли] Арқоғи йўғонроқ, ўриши ингичкароқ, ип ёки ипакдан, баъзан кимёвий толалардан тўқилган газлама. *Ипакли поплин.* ▬ *Улар орасида поплин, батис(т), пахмоқ ва рўмолбоп газламалар ҳам бор.* Газетадан.

2 Шундай материалдан тикилган. *Поплин кўйлак.*

ПОП-МУСИҚА [*ингл.* pop (popular) music – оммабоп мусиқа] 20-асрнинг ўрталаридан қарор топган енгил (кўнгилочар) эстрада мусиқасининг хилма-хил услублари ва жанрларини қамраб олувчи тушунча.

ПОПОП [*р.* ихтирочи конструктор Попов номидан] **1: попоп машина** Матоларга илма игна билан гул тикадиган машина. *Набигулнинг акаси Қодирга попоп машина билан гул солинган қора бахмал бир рўйжа кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Каштачиликда чок тури, йўрма.

ПОПОПЧИ Каштачилик билан шуғулланувчи киши. *Тўтибу тўй ҳаракатида попопчиникига кетган.* С. Зуннунова, Гулхан. *Хоҳ учиринг, хоҳ учирманг, дугона, Тилак - қизлар иқболидан нишона, Сўроғлабсиз, атай бўлдим попопчи, Бўлурми деб ишқимизга баҳона..* Т. Тўла, Оромижон.

ПОПОПЧИЛИК Машинада кашта тикиш касби; попоп машинада йўрма чоки билан бадиий буюмлар (чойшаб, сўзана, палак, дўппи ва ш.к.) тайёрлаш.

ПОПОҚ *с.т. қ.* **қалпоқ.** *Бошинда попоғи ақлимни олди, Ҳам йўлдан чиқарди, ҳам йўлга солди.* «Қўшиқлар».

ПОП-ПОП **Поп** II с. такр. *Поп-поп қилмоқ.*

ПОПУК **1** Нарсаларга безак учун тақиладиган бир боғлам тола, пат, ип ва ш.к. *Дўппи попуги.* ▬ *Шарофат, паранжининг попугини эшиб, ерга қараганича ўтирар, афтидан, бу саволга жавоб бермоқчи эмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Гажим, шокила. *Байроқ попуги.* ▬ *Зайнаб гиламнинг попугини чирмаб, ниманингдир хаёлини сурар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Каромат опа.. дастурхон попугини ўйнашда давом этди.* Т. Алимов, Совчи.

3 Ёш қизларга нисбатан эркалаш маъносида ишлатилади. *Олдинда сизлар, ой попукларим.* Ойбек, О. в. шабадалар. -*Сиз, попук қизим, этагингизга памилдори, ловия териб чиқинг, — деди амма Мунавварга.* С. Анорбоев, Меҳр.

4 Шокилали қоғозга ўралган конфет. *Бир кампир сепкилдор боланинг чап ёнидаги кўйлак кийган қизчага попук узатади, кейин уни кўтариб олади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

5 Попук (хотин-қизлар исми).

Попуги пасаймоқ *қ.* **пасаймоқ 4.** *Домланинг нутқларидан кейин одамларнинг попуги пасайиб қолди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Раҳимжон попуги пасайиб, нафаси чиқмай қолди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Попук илдиз** Ўқ илдиз қуригач, унинг ўрнига поянинг остидан ўсиб чиқадиган кўп сонли майда илдизчалар (кўриниши попукка, шокилага ўхшайди).

ПОПУКДАЙ, -дек Бежирим, чиройли. *Қош-кўзи попукдай, доим кулиб турадиган Шоира деган дўндиққина жувон беморларга укол қилишга киришади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Авваллари Фотима-Зуҳраларни доимо адаштириб юрардим. Ҳозир ҳам иккаласи бир-бирига ўхшайди. Попукдек қош-кўзли, кулча юзли..* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПОПУКЛИ Попукка эга. *Иброҳим попукли лўла болишни тортиб, тиззасига қўйди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПОПУЛЯЦИЯ [*лот.* populatio < populus — халқ, аҳоли] Узоқ муддат муайян бир жойни эгаллаб яшайдиган ва бир қанча авлодлар оша аслидагидай тикланиб турадиган бир турга мансуб зот (организм)лар йиғиндиси.

ПОРА I [*ф.* پاره — бўлак, лахтак, парча; ҳисса, улуш; йиртилган, кесилган] (*о—узун*) **1** Парчаланган нарсанинг бир қисми; бўлак, парча. *Пора бўлмоқ. Пора қилмоқ.* ▬ *Қудрат, тахта пораси устида ҳушсиз қолган Фарҳоддай, ўз ихтиёрини унга бериб ожиз қолди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Бургут уни чангалга олиб, Мушук жағин қилибди пора.* Я. Қурбон. *Ўсма қўйдингму қошингга, Бунчалар ҳам қорадур, Билмадим, бу қошларингдан Қанча диллар порадир.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони. *Сенинг юрагингда лахта-лахта қон, Сийнанг нималардан бўлмаган пора.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *эск. кт.* Тўда, тўп, гуруҳ. *Мен бир пора йигитларни олиб, ёвнинг орқасига ўта билдим.* Ойбек, Навоий.

3 *эск. кт.* Асарнинг тугал қисмларидан бири; қисм, бўлим; боб. *Ўттиз пора қуръонни ёд олмоқ.*

ПОРА II [*ф.* پاره — майда пул, чақа; хайр-садақа: ришва, пора] Бирор ишни ноқонуний тарзда битириб бергани учун мансабдор шахсга бериладиган ёки берилган нарса ёки пул. *Пора олмоқ. Пора бермоқ. Пора емоқ.* ▬ *Аъзамжон ака ҳозир пора билан иш битказиш мумкинмаслиги, пора берган ҳам, пора олган ҳам қия бўлиб кетишини айтиб қолди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Тавба, порага келган пулни тарозида тортиб оладиган одам қандай қилиб прокурор бўлиб қолди экан?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ПОРАЛАМОҚ 1 *кам қўлл.* Пора-пора қилмоқ, парчаламоқ. *Кўйлакни пораламоқ.* ▬ *Тез-тез ўқчийди. Ҳар йўталганида ич-ичини.. ўша махлуқ ўткир панжаси билан тимдалаб, поралаб ташлаётгандек бўлаверади.* С. Сиёев, Аваз. *Кун булутни поралаб пар-пар, Бошлар узра кезиб юрибди.* М. Али, Боқий дунё.

2 *кўчма* Пора-пора қилмоқ, яраламоқ, тилмоқ. *Дилни пораламоқ. Юракни пораламоқ.*

ПОРА-ПОРА [*ф.* پاره پاره — йиртилган, парча-парча қилинган] *рвш.* Бўлак-бўлак, парча-парча, чилпора. *Юрагим-ей, бошлаб келдинг мени қайга? Бағрим ўхшар пора-пора бўлган найга.* М. Юсуф. *Ғанимлар дастидан мулк пора-пора.* «Шарқ юлдузи». *Бошидан ошириб ерга уради, Тушиб ерга, пора-пора бўлади.* «Алпомиш». *Биттадан чўқиганларингда ҳам мени пора-пора қилиб қўясизлар.* Ойбек, Навоий.

ПОРАХЎР [*ф.* پاره‌خور — пора еювчи, олувчи] **1** *сфт.* Пора оладиган, порага ўрганган. *Порахўр одам,* ▬ *Бир порахўр амалдор амалидан тушиб, ғалати дардга йўлиқди.* А. Қаҳҳор, Пора. *Ғиёс каллага ўхшаш порахўр қози бўлар, шу-да?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *от* Пора олиш билан шуғулланувчи киши. *Азиз дўстим, мени эмас, аввало, ўз*

нафси, шуҳратини ўйлаган порахўрларни йўқотиш керак. Шукрулло, Сайланма. *«Бу беномус порахўрнинг пўстагини энди қоқаман» деган қатъий фикр билан сўзини давом эттирди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ПОРАХЎРЛИК 1 Пора олиш, пора ейиш билан шуғулланиш. *Порахўрлик қилмоқ.* ▬ *У аслида Содиқжон бойваччанинг қопағон ити.. порахўрликка зўр берган, подшоликка йиғиладиган солиқларнинг юздан тўқсонини уриб, ҳамёнини муттасил қаппайтиришни ўйлаган аждарнафс бир бадкир эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *ҳуқ.* Пора олиш, пора бериш, бу ишда воситачилик қилиш каби мансабдорлик жиноятлари. *«Порахўрлик ҳаётимизга типик эмас» деганларнинг қанча-қанчаси пора билан қўлга тушиб, жазоланиб кетдилар.* Газетадан. *Шаҳарда.. коррупция, порахўрлик ва рэкэтга нисбатан бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим.* Газетадан. *-[Ҳомид] У ерда [Қўқонда] ҳам тинч ётмай, Ўтаббой қушбегини порахўрликда айблаб, Мусулмон чўлоққа ариза берган, — деди [Уста Фарфи].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ПОРИЛЛАМОҚ 1 Кучли нур сочмоқ, гуруллаб ёнмоқ. *Ҳуройимнинг уйида катта чироқ пориллаб ёниб турибди, болахона орқасидан ярқираб ой кўтарилмоқда.* У. Исмоилов, Сайланма. *Кимдир пирпираб турган машъалага керосин қуярди, машъала пориллаб кетарди.* Газетадан.

2 *кўчма* Ялтирамоқ, ярқирамоқ, ёнгандай бўлиб кўринмоқ. *[Каримжоннинг] Қошкўзлари пориллаб.. ёқимтой чеҳрасига қизиллик югурди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Касал кўзлари пориллайди, қоронғи кулбага қандайдир ёруғ киргандай бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *тақл. с.* «Пор-пор» этган товуш чиқармоқ. *Кўп ўтмай ҳовлидан мотоцикл моторининг пориллаган товуши эшитилди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

ПОРЛАМОҚ 1 Ёрқин нур сочиб турмоқ, равшан ёнмоқ. *Булутсиз кўкда қуёш порлайди.* ▬ *Дарахтлар орасида порлаб турган чироқлар бирин-сирин сўнди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Порлаган чироқлар атрофни кундуз қилиб юборган.* «Шарқ юлдузи». *У ётоқхоналарнинг электр нури порлаган деразаларига анграйганича битта-битта юриб келаркан, беихтиёр узоқ шаҳарчадаги қадрдон уйини эслади.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Нур сочмоқ, барқ урмоқ, балқимоқ. *Хадича аянинг ташвишли кўзлари қувончдан порлаб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *«Севиб қолган!» У кўзларида порлаган қувончни яшира олмас, тасаввурида бирданига фариштага айланган шу одамни хафа қилмаслик учун бошини кўтармас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёшгина бир аёл кулиб турган кўзларини порлатиб: -Хадичахон, холам узр сўраяптилар, эшитинглар, ўртоқлар, — деди.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

ПОРЛОҚ 1 Порлаб, нур сочиб турадиган, нурдек равшан. *Қуёш нури жуда кўркам, юксак ва порлоқ, Нурин ҳатто аямайди вайронадан ҳам.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Фазодан теранроқ нима бор экан? Юлдузлар базмидан порлоқ қай йиғин?* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *кўчма* Бахт-саодат, истиқбол сари бошловчи; равнақли, нурафшон. *Порлоқ келажак.* ▬ *Эй яша, порлоқ кун, бахтли келажак. Омон бўл, Ватаним, минг йиллар боқий!* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Дадил босилган қадам порлоқ келажакнинг устунидир.* «Саодат». *«Чўл ҳавоси»ни ўқиб, суюниб кетдим. Бирдан лов этиб, аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ПОРНОГРАФИК Порнографияга оид, асосланган. *Порнографик нашрлар ва суратларнинг тарқалиши.. ёш авлод маънавиятининг таназзулига сабаб бўлиш хавфи бор.* Газетадан.

ПОРНОГРАФИЯ [*юн.* pornos — бузуқ, ахлоқсиз, фоҳишабоз + grapho — ёзаман] Адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва ш.к. да жинсий ҳаётни қўпол-яланғоч ҳолда, беҳаёларча тасвирлаш, намойиш қилиш; шундай тасвирга асосланган асарларнинг ўзи.

ПОРОМ Дидга мос келадиган, кўнгилдагидек, ёқимли. *Пором келмоқ.* ▬ *-Бу ер менга пором келиб қолди. Хизматни аямадим, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Комиссиянинг сўзлари Авазбойга унча пором келмади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Кино муҳаббатдан баҳс қиладиган бўлганидан жуда дуруст, айниқса, менга пором эди.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

ПОРОХ [*р.* порох, прах – чанг, гард, хок] Патрон ва снарядлар тайёрлаш учун ишлатиладиган, кўп таркибли портловчи моддаларнинг зичлаштирилган қаттиқ аралашмаси. *Тутунсиз порох. Қора порох.* ▬ *Отиладиган қуролларда ишлатиладиган портловчи модда – порохни дастлаб ҳиндлар кашф этди..* «Фан ва турмуш». *Шамол порох тутунининг ўткир ҳидини олиб келди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ПОРОШОК [*р.* «порох» с. дан] **1** Кукун ҳолидаги қаттиқ модда. *Графит порошоги. Бўр порошоги.*

Тиш порошоги Тишни тозалаш учун ишлатиладиган махсус порошок. *Агар клеёнкада сиёҳ доғи бўлса, ҳўллаб, устига тиш порошоги сепинг, сўнг артиб ташланг.* «Саодат».

2 Кукунланган дори. *Сап-сариқ порошок ҳолдаги бу зиравор Ҳиндистон ва Афғонистонда ўсадиган бир турли бута ўсимлигининг томиридан тайёрланади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ПОРСИЛЛАМОҚ Торс-торс ёрилмоқ (тери ҳақида). *Лабларим порсиллаб ётибди.* ▬ *Мунир ўрнидан тургач, «улар»нинг дуч келганини ура кетди. Унинг кўзларига қон қуйилиб, анчадан бери йиғилиб ётган аламлари ёмон яранинг патосидек порсиллаб ёрилди.* «Ёшлик».

ПОРСИЛЛОҚ Терининг қуруқшаб торс-торс ёрилишидан иборат касаллик. *У бир-бирига ёпишган лабини остдан тили билан ҳўллаб, юмшатиб, қонатмасдан ажратишга уринганда, лабларининг порсиллоқ боғлаганини сезди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *У [Тешабой] Воҳиднинг орқасидан бир хезланди-ю, порсиллоқ боғлаган яранинг ёрилишидан қўрқиб, ўзини босди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПОРСИН *айн.* **порсиллоқ.** *Лабларим порсин боғлабди.*

ПОРСО [*ф.* پارسا – диндор, тақводор, художўй; табаррук, покиза] **1** Ёмон ишлардан сақланувчи, художўй, тақводор. *Шарму иффат, ору номус, сабру имон ўргатуб, Айлаб инсон ваҳши(й)ларни, порсо қилди қалам.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Порсо (эркаклар исми).

ПОРТ I [*фр.* port < *лот.* portus – гавань, бандаргоҳ] Денгиз ёки дарё қирғоғида кемалар турадиган ва таъмирланадиган, юк юклаш ва туширишга мўлжалланган, кемаларни ноқулай об-ҳаводан муҳофаза қилувчи иншоотлари бўлган, махсус жиҳозланган жой. *Денгиз порти.* ▬ *Порт осмонини қора тутун қоплади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Дунёдаги энг гавжум порт Ротердам (Голландия) ҳисобланади.* Газетадан.

Ҳаво порти *айн.* **аэропорт.**

ПОРТ II *тақл. с.* **1** Юмшоқ идишдаги газ ёки суюқликнинг куч билан отилиб чиқиши, тўқиманинг бирдан ёрилиши ва ш. к. да ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Қоп порт этиб ёрилиб кетди.*

2 *айн.* **парр.** *Бедана порт этиб учиб кетди.*

ПОРТАЛ I [*нем.* Portal < *лот.* porta – эшик, дарвоза] Бинонинг меъморий жиҳатдан алоҳида ишлов берилган, бир қадар ажралиб турадиган олд, кириш қисми.

ПОРТАЛ II Конструкция ёки машинанинг П-симон таянч қисми.

ПОРТАЛ III Интернетда: у ёки бу мавзу бўйича доимо тўлдирилиб, янгиланиб борувчи тўлиқ маълумотларни қамраб олувчи универсал тусдаги ахборот саҳифаси. *Порталдан сиз ўзингизни қизиқтирган педагогика соҳасига оид янгиликлар, мунозаралар, янги педагогик технологиялар ҳақида кўплаб маълумотларни топишингиз мумкин.* Газетадан.

ПОРТАТИВ [*фр.* portatif < porter – олиб, кўтариб юрмоқ] Кўтариб юришга, бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга қулай, енгил ва ихчам. *Портатив фотоаппарат.* ▬ *Бундай вазиятда [юрак хуружида] беморга универсал портатив асбоб – электрокардиограф ёрдамга келади.* Газетадан.

ПОРТЛАМОҚ Газларнинг кучли реакция ёки алангаланиш натижасида жуда тез кенгайишидан ёрилиб парча-парча бўлмоқ, бўлакларга ажралиб сочилмоқ (бирор нарса ёки объект ҳақида). *Порох портлаб кетди. Газ портлаб кетди.* ▬ *Энди нафас ростлайман деганида, сал нарида бомба портлагани, оёғи жиз этиб куйгани ҳам эсида.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Биринчи дарахт йиқилиши билан иккита мина портлаб, бир неча кишини учириб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПОРТЛАТГИЧ Артиллерия снаряди, мина, ракета ва бомбалардаги зарядни портлатувчи механизм. *Уч юз йигирма тонна портлатгич бир ярим километр масофадаги тошлоққа чуқур ўрнатилган.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПОРТЛАШ 1 Бирор нарсанинг кучли босим остидаги, ўта қиздирилган газлар ҳосил бўлиши билан кечадиган оний парчаланиши, вайрон бўлиши. *Даҳшатли портлаш товушлари, ернинг тинмай силкиниши, Нориннинг чайқалиши одамларни ваҳимага солиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Замин қандайдир кучли қувватдан титраб кетди ва шу лаҳзада қулоқ эшитмаган портлаш рўй берди.* Газетадан.

2 *кўчма* Ғазабланишдан келиб чиқадиган руҳий-асабий ҳолат. *Назар хотинининг тўлиб турганини, ҳадемай «портлаш» юз беришини биларди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

3 *тлш.* Жипслашган фаол ва нофаол нутқ аъзоларининг ҳаво оқими босими таъсирида оний ёрилиши (очилиши).

ПОРТЛОВЧИ 1 Портлаш хусусиятига эга бўлган, портлайдиган. *Портловчи моддалар.* ▬ *Бундай қарорларнинг оқибатлари империянинг ўзи учун портловчи модда бўлиб хизмат қилади.* Газетадан.

2 *тлш.* Нутқ аъзоларининг жипслашуви ва ҳаво оқими босимининг шу аъзоларни ёриб ўтиши натижасида ҳосил бўладиган (ундош). *[Б ундоши] Ўзбек тилида жарангли портловчи ундошлар орасида максимум жаранглилик касб этади.* «ЎТА».

ПОРТРЕТ [*фр.* portrait – тасвир] **1** Реал ҳаётда мавжуд бўлган бир ёки бир неча кишининг ёки рассом тасаввуридаги қиёфанинг тасвири ёки фотограф томонидан ишланган сурати. *Декан чиқиб кетганидан кейин Гавҳар нам ўтиб кетган газетани варақлади. Иккинчи саҳифанинг чап томонида Гавҳарнинг катта портрети босилганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Чап девордаги гилам устига қоқилган Шамси Тўраевичнинг портретига тикилиб қолди Баширжон.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Рассом ижодида портрет жанри асосий ўрин эгаллайди.* Газетадан.

2 *кўчма* Адабий асарда персонажлар қиёфасининг тавсифи, тасвири. *Л. Толстой портрет устаси эди.* ▬ *Драматик достонларда ҳам портрет, пейзаж бўлади.* «ЎТА».

ПОРТРЕТИСТ *айн.* **портретчи.**

ПОРТРЕТЧИ Портрет устаси, портрет чизувчи.

ПОРТСИГАР [*фр.* porte-cigares < porter – олиб юрмоқ + сигарет] Сигара ёки папирос солиб юриладиган қутича; папирос қути. *Чарм портсигар. Кумуш портсигар.* ▬ *Терговчининг ғазаби қайнаб кетди. Аммо буни сездирмаслик учун портсигаридан папирос олиб тутатди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ПОРТУГАЛ *қ.* **португаллар.** *Португал халқи. Португал тили. Португал аёл.*

ПОРТУГАЛИЯЛИКЛАР Португалиянинг туб аҳолисини ташкил этган, роман тиллари гуруҳига мансуб тилда сўзлашувчи халқ. *Португал халқи.*

ПОРТУГАЛЛАР *айн.* **португалияликлар.**

ПОРТФЕЛЬ [*фр.* portefeuille < porter – олиб юрмоқ + feuille – варақ] **1** Китоб, дафтар, ҳужжат кабилар солиб олиб юриладиган дастали ва қопқоқли махсус сумка. *Ҳафиза портфелини айвонга отиб юбориб, ичкарига, уйга кирди-да, ечинмай, ўзини каравотга ташлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Портфелни олиб, эшик олдига бориб турдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Айниқса, отам олиб берган янги портфелнинг ҳиди бошқача туюларди.* Газетадан.

2 Нашриётларда, газета, журнал муҳарририятларида навбатдаги нашр учун тўпланган қўлёзма материаллар мажмуи. *Муҳарририят портфелида анчагина мақола бор.*

ПОРЦИЯ [*лот.* portio – ҳар бир одамга тегишли улуш, ҳисса] **1** Бирор нарсанинг кимгадир, нимагадир мўлжалланган ўлчовли бўлаги, миқдори. *Доривор порциялари.*

2 Ресторан ёки ошхонада бир хўрандага мўлжалланган маълум миқдордаги егулик. *Икки порция шўрва. Тўрт порция лағмон.* ▬ *Ярим порция карам шўрва ичдим. Парҳездаман [деди ишчи].* «Саодат».

ПОРШЕНЬ [*қад. р.* поршень – енгил оёқ кийими тури] Насос, двигатель, компрессор каби асбоб ва машиналарнинг цилиндри ичида тиғиз ҳаракат қиладиган, суюқлик, газ ёки буғни ҳайдовчи, сўрувчи ҳаракатчан деталь. *Чўян поршень. Трактор двигателининг поршени. Поршень ҳалқаси.* ▬ *-Тўхтанг, ички двигателнинг поршенида бир гап борга ўхшайди, – деди Раҳимжон.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ПОСАНГИ [*ф.* پاسنگ / پارسنگ – тарози паллаларини тенглаштирувчи қўшимча тош] **1** Тарози паллаларини тенглаштириш ёки идиш оғирлигини чиқариб ташлаш учун тарозининг бир томонига қўйиладиган қў-

шимча тош. *Тарозига посанги қўймоқ.* ▬ *Тарозибон гангиб қолиб, посанги тошни шимининг чўнтагига солди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 *кўчма* Тенглик, мувозанат. *Ашурмирзо посангисини йўқотиб, ерга ўтириб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳа, табиат адолатли, азизим, у доим тарозининг посангисини тенг ушлайди.* «Ёшлик». *Муҳаббатда бой ила гадой Посангиси бир эмиш азал..* М. Али, Боқий дунё.

3 *айн.* **балансир 2**.

4 Турли машина ва конструкцияларга таъсир қиладиган куч ва моментларни мувозанатлаш учун бириктириладиган қўшимча юк.

ПОСБОН [*ф.* پاسبان – қоровул, қўриқчи < پاس – туннинг бир қисми + بان – сақловчи, қўриқловчи] *кт.* **1** Бирор кимса ёки нарсанинг хавфсизлигини, дахлсизлигини таъминлаш учун постда турган киши; қўриқчи, соқчи, қоровул. *Бири кўкда шунқор.. Бири чегарада юрт посбони.* С. Абдулла. *Шоир, теварағи Ширим қоровул бошлиқ махсус посбонлар қўриқлаган ҳашаматли ипак чодирга кирди.* Ойбек, Навоий. *Нақшинкор дарвозанинг икки ёнида икки қуролли посбон шамдек қотиб турарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *кўчма* Муҳофаза, ҳимоя қилувчи; сақловчи, ҳомий. *Саломатлик посбонлари (шифокорлар).* ▬ *Ширин сўз, ширин муомала, ширин турмуш – саломатликнинг посбони бўлиб хизмат қилади.* Газетадан. *Малоҳат – ҳаё ёнида посбон.* Газетадан.

ПОСБОНБОШИ Бирор кимса ёки нарсанинг хавфсизлигини, дахлсизлигини таъминлаб турган қўриқчи ёки соқчиларнинг бошлиғи. *Шунақами? Хўп ғалати эканку жаннат, Посбонбоши келганида бу сирни айтай.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПОСБОНЛИК Қўриқчилик, соқчилик; қоровуллик. *Посбонлик қилмоқ. Посбонликда турмоқ.*

ПОСЁЛКА [*р.* посёлок – кичик аҳоли маскани < поселение – истиқоматгоҳ, қароргоҳ < селить – яшаш учун жой бермоқ, жойлаштирмоқ] **1** Одатда шаҳар ёки катта қишлоқдан унча узоқ бўлмаган кичик қишлоқ. *Буларни станциядан посёлкага олиб келган шофёр йигит тақир ерда танҳо тиккайган водопровод жўмрагига шланг тиқиб, юк машинасини ювяпти.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Бу масканда темирйўлчилар учун йигирмата коттеждан иборат мўъжаз посёлка қад ростлади.* Газетадан.

2 Шаҳар кўринишидаги катта қишлоқ. *Деҳқон хонадонлари шаҳар типида қурилган обод посёлкалардаги шинам, данғиллама уйларда фаровон ҳаёт нашидасини суряпти.* Газетадан. *Мамлакатимизда беш ярим мингдан ортиқроқ шаҳар ва шаҳар типидаги посёлка бор.* Газетадан.

ПОСИЛКА [*р.* посылка – ўраб, идишга жойлаб жўнатилган нарса < послать – бирон жойга жўнатмоқ, юбормоқ] Яшикка жойлаб ёки ўраб, почта ёки бирор кимса орқали юборилган нарса. *Посилка юбормоқ. Китобларни посилка қилмоқ.* ▬ *Ундан кўра отанг бечорага битта-яримта посилка юборсангчи, оғайни!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Мунаввархон унга посилка жўнатди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ПОСИРА I [*ф.* پاسره] **1** *тар.* Катта ер эгалари томонидан батракларга вақтинча фойдаланиш ва ҳосилидан давлат солиқларини тўлаш учун ажратилган ер майдони.

2 *шв.* Томорқа. *Янги ерлар ўзлаштирдик – сизга посира, Пахта, ғалла ташвишини тортмангиз сира.* Т. Н. Қориниёзий.

ПОСИРА II Йиғилган, ғамланган нарса; қўр. *Посира қилмоқ.* ▬ *Буғдойпоя! Биздан илгари раис бу ерни одамларга бериб қўйган экан. Посира экиб олишарди-да.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ПОСОН [«фасон» с. дан] *с.т. қ.* **олифта**. *Ёнида посонроқ кийинган кишиям бор. Райondан келган вакил экан у.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди. *Бу ердан исқирт кўйлагини кийиб чиқиб кетиб, у ерда посон бўлиб олар экан.* «Муштум».

ПОСТ [*фр.* poste < *итал.* posto – муайян жойга қўйилган] **1** Қўриқлаш ва мудофаа қилиш учун соқчига ёки соқчилар гуруҳига топширилган жой. *Майли, ёмғир, қор ёғсин, Ўз постимдан кетмайман. Аскарлик қасамимга Ҳеч хиёнат этмайман.* Уйғун. *Майли, иғволарда ой ҳам тутилсин, Шу постда солдатсан, токи ҳаётсан.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Биз, Ватан ҳимоячилари, ўз постимизда ҳушёр турсак, ҳеч ким бизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна сололмайди.* Газетадан.

2 Муайян ҳудудни қўриқлаш, кузатиш учун қўйилган ёки ёрдам кўрсатиш учун уюшган кишилар гуруҳи. *Санитария постлари.* ▬ *Ремонт технологиясини тубдан ўзгартириб, унда ремонт турлари бўйича постлар ташкил этилди.* Газетадан. *..устахона халқ назорати пости қандай иш билан шуғулланаётгани менга қоронғи.* Газетадан.

3 Масъулиятли лавозим, мансаб, вазифа. *Директорлик пости. Раҳбарлик пости.* ▬ *-Аввал каттароқ постда ишлаганмисиз? -Э, йўқ, — деди у киши, соддалигимни кўриб, завқи келди чоғи, тиззаларига уриб кулди.- Бозорда оддий паттачи бўлганман.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ПОСТАМЕНТ [*лот.* postamentum] Музей, бадиий кўргазмаларда ҳайкалларнинг тагига қўйиладиган мармар ёғоч таглик. *Гранит постамент.* ▬ *Йўлдош Охунбобоевнинг баланд постаментга ўрнатилган, бронзадан ишланган ҳайкали узоқдан кўзга ёрқин ташланиб туради.* Газетадан.

ПОСТАНОВКА 1 [*р.* поставить — қўймоқ] Томошабинларга кўрсатиш учун тайёрланган саҳна асари, спектакль. *Цирк ўқувчилар учун турли томошалар, постановка кўрсатади.* ▬ *Ўзбекистон телевидениесида Санъат Рўзиматов «Бир гўзал бормиш» постановкасини қўяркан, етакчи образга Турсунойни чиқарди.* «Саодат».

2 Драматик асарни, пьесани тайёрлаб саҳнага қўйиш. *Пьесанинг янги постановкаси. Постановка қилмоқ.* ▬ *Жамоа унга Н. Сафаровнинг «Уйғониш» драмаси постановкасини топширди.* Газетадан.

ПОСТАНОВКАЧИ Пьеса, фильм кабиларни постановка қилишга, спектаклни саҳнага қўйишга раҳбарлик қилувчи мутахассис; режиссёр.

ПОТ *шахм. қ.* **пат** II. *Нафақат пиёда ёки бирорта сипоҳ, балки шоҳ ҳам ўрнидан жилолмай қолганда, ўйин пот бўлади.* Газетадан.

ПОТАШ [*ингл.* potash < pot — кўза, тувак + ash(es) — кул] *ким.* Ишқор хусусиятига эга бўлган оқ донадор, порошоксимон модда. *Калий тузларидан кимё саноатида поташ, калий селитраси, бертоле тузи каби.. маҳсулотлар тайёрланади.* М. Зокиров, Бебаҳо хазина.

ПОТЕНЦИАЛ I [*лот.* potentia — куч, қувват] **1** *физ.* Электр ёки магнит майдонининг маълум нуқтадаги ҳолатини белгилайдиган миқдор, катталик. *Ҳужайрадан чиқувчи калий ионлари ҳужайра мембранасининг ички ва ташқи сиртлари ўртасида доимий электр потенциалини пайдо қилади.* «Фан ва турмуш».

ПОТЕНЦИАЛ II [*лот.* potentia — салоҳият] **1** Бирон-бир жиҳатдан имкониятлар, куч-қудрат даражаси; фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар, имкониятлар мажмуи. *Ўзбекистон Республикаси ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга.* Газетадан. *Бухоронинг ер ости ва ер усти бойликлари, моддий потенциали жуда буюк.* Газетадан.

2 Фойдаланилиши мумкин бўлган, аммо рўёбга чиқмаган. *Потенциал имкониятлар.* ▬ *Ватанимиз жанубий чегаралари яқинидаги куролли можароларнинг ўчоқлари ҳарбий хавфнинг потенциал манбаларидир.* Газетадан. *Муҳими — мавжуд илмий потенциалдан фойдаланиш, шу потенциални тезроқ ишга солиш.* Газетадан.

ПОТИНЖОН 1 *айн.* **бақлажон**. *Потинжон икраси.*

2 *шв.* Памилдори, помидор.

ПОТИРЛАМОҚ 1 *с.т. қ.* **патирламоқ 1.** *Қалъа девори кавакларидан потирлаб қушлар учиб чиқарди.* «Ёшлик».

2 *кўчма с.т.* Безовта бўлмоқ, шошилиб, ҳовриқиб қолмоқ. *Лекин юраги безовта. Нимагадир потирлайди.* Т. Малик, Шайтанат. *Зайнабнинг эса юраги потирлаб, жони ҳалқумига келиб қолди.* Т. Малик, Шайтанат.

ПОТИҲА *с.т. қ* **фотиҳа.** *Потиҳа қиб, арвоҳига бағишлаб, Бу мозордан чиқиб кетди йўл бошлаб.* «Баҳром ва Гуландом».

ПОХОЛ 1 Буғдой, шоли каби бошоқли ўсимликларнинг дони янчиб олингандан кейин қолган қуруқ пояси. *Бир боғ похол.* ▬ *Қорамоллар рациони асосан дағал хашак, похол ва ўсимликлар поясидан иборат эди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

2 Похолдан қилинган (тўшак ёки бошқа нарса). *Сўридаги похол устига ҳар ким ўз ўрнини ёза бошлади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Бир гал Фарғона водийсини кезиб юрганимизда, бизга ҳамроҳ бўлган яқин дўстимизнинг рафиқаси магазинга кириб, похол шляпа олиб чиқди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

Олдига похол солмоқ Қуруқ гап, ваъдалар билан алдамоқ, лақиллатмоқ, кишини аҳмоқ қилмоқ. *-Олахўжа махсум, "Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди," деб нодонларнинг олдига похол солиб туради.. — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПОЧА [*ф.* پایچه / پاچه – кичик оёқ; оёқнинг пастки қисми; қўй ва б. ҳайвонлар оёғининг овқат сифатида ейиладиган пастки қисми] **1** Ҳайвонлар оёғининг тиззадан пастки қисми. *Бўри қўйнинг почасидан олибди.* ▬ *Улоқчи, қамчиннинг дастасини тишлаб, улоқнинг почасидан тортади.* Газетадан.

2 Оёқнинг тизза билан тўпиқ ўртасидаги қисми; болдир. *Ит почамдан олди.* ▬ *Нусратбекнинг танидаги титроқ бир оз пасайди. Секин, салмоқли одимлаб бораётиб, ўз хатти-ҳаракатини оқлашга уриниб, ўзига тасалли бера бошлади: «Йўлдан чиққан ҳар қандай дайди лайча вовуллаб, почамга ёпишса, индамай кетавераманми?».* С. Нуров, Нарвон. *Ғайбулла қизариб, ўрнига бориб ўтирмоқчи эди, Ҳасан унинг почасига ёпишди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Шимнинг, шалварнинг тиззадан пастки қисми. *Низомжон, шоликорликка кираман, деб шимининг почасини шимараётган эди, Тўланбойнинг ўғли келиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Оғзидаги носини тупуриб, бисмилло, деганича шимининг почасини шимариб, кетмон билан ўрага тушди.* С. Аҳмад, Сайланма.

4 Устки узун кийимнинг этагига тикилган жияк, ҳошия. *[Шоир] Шоҳи тўн устидан.. қундуз почаси бор пўстинини кийди.* Ойбек, Навоий.

5 Поя, оёқ. *Стул почаси.* ▬ *Ота писмиқ келиб, каравотнинг почасига суянди.* Э. Раҳимов, Ажаб қишлоқ.

6 Пиллапоя, поғона. *Мирзиёд.. оёғини нарвон почасидан аста олди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ПОЧАПЎСТИН [*ф.* پاچه پوستین – почадан қилинган пўстин] Тулки ва б. ҳайвонларнинг оёғи мўйнасидан тикилган сирма пўстин. *Уч ой ёз демасангиз, эгнидан сариқ почапўстинини ечмайди.* С. Сиёев, Аваз. *Ниҳоят, эгнида почапўстин, бошида тулки тумоқ кийган Умаршайх мирзо узангига оёқ қўяди.* Х. Султон, Бобурийнома.

ПОЧАПЎСТИНЛИ Почапўстинга эга, почапўстин кийган, почапўстини бор. *Зум ўтмай, ранги ўчган дадамнинг кетидан Далавой билан почапўстинли меҳмон уйга кириб келишди.* «Ёшлик».

ПОЧАҚИРҚАР Сертикан, оқ гулли наъматак.

ПОЧИН [*р.* чинить – «қилмоқ, яратмоқ, барпо қилмоқ» фл. дан ясалган от] **1** Бирор ишга киришиш, бирор ишни бошлаш; ташаббус. *Ҳар қандай почин, қимматли ташаббусларнинг бошида ветеранларнинг доимо бош-қош бўлиб туриши ажойиб анъанага айланиб қолди.* Газетадан.

2 *с.т.* Бирор ишнинг бошламаси. *-Ҳар нарсадан ишкал топадиган бўлибсиз, — деди Нафиса. — Ҳар ҳолда ташаббус ахир! Ибрат, почин!* А. Мухтор, Туғилиш.

Почин қилмоқ 1) биринчи бор бошлаб бермоқ; 2) савдони очмоқ, савдо-сотиқни бошламоқ.

ПОЧТА [*пол.* poczta, *итал.* posta < *лот.* positus – хат, хабар етказувчи отлиқ чопар; бекат, станция] **1** Хат, хабар, жўнатма, газета-журнал, ҳужжат, пул ва ш.к. ни қабул қилиб, тайинланган кишига ёки жойга етказиб берадиган давлат алоқа муассасаси ва шу муассаса жойлашган бино. *Шаҳар почтаси. Дала почтаси.* ▬ *Почтага борсам, пул билан шу қоғозни қўшиб берди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Уни шаҳар одамлари, айниқса, ерли халқ кам танийди. Ниҳояти почтада ишловчи [ўзи ерли халқдан етишиб қолган!] пастроқ бир маъмур..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Шундай муассаса томонидан етказиб берилган ёки олинган нарсалар (хат, жўнатма ва ш.к.). *Менга почта келтирган хатларнинг сони 200 дан ошиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Агарки қўшнингиз почта қутисидан сиз обуна бўлган адабиёт газетасини олиб, сиздан олдин ўқишга тушса, хафа бўлманг.* Газетадан.

ПОЧТАЛЬОН [*фр.* postillon] Хат, газета, журнал кабиларни эгаларига етказиб берувчи почта ходими. *Ҳовлидан почтальон чолнинг чақиргани эшитилди.* «Шарқ юлдузи». *Почтальон индамай, кўк қоғознинг бир чеккасини кўрсатди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ПОЧТАМТ [*нем.* Postamt] Шаҳарнинг марказий почтаси, марказий почта идораси.

ПОЧТАХОНА [почта + хона] Почта ўрнашган бино. *Район алоқа бўлими бу ишни жуда қулай ва маъқул кўриб, кейинчалик бир мунча колхозларда шундай почтахоналар*

ташкил қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кузда почтахона ёнида аллақандай эски бинога жойлашган мактабга қатнай бошладим.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Толибий шўрва стипендия ололмай ва кунига уч марта почтахонага зир югуриб, уйидан пул кутиб юрган студентларга мўлжалланади.* Газетадан.

ПОЧТАЧИ *айн.* **почтальон.** *Кейин газета тарқатиб юрган почтачи боладан икки-уч газета олиб, турган жойида саҳифаларга кўз югуртира бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Анави Абдураҳим почтачининг ўғли ҳам тасқара бўлиб олиб, копток тепгани тепган..* Мирмуҳсин, Умид. *Уч ҳафтадан бери на хат бор, на бир хабар.. дарвоза тиқ этса, почтачи хат ташлаб кетдимикан, деб кўчага югураман.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ПОЧЧА 1 Опанинг эри. *Ия, почча, нима қилиб юрибсиз?* С. Аҳмад, Уфқ. *Кичик поччам ўйланиб, менга юзланди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сал ширакайф бўлиб ўтирган Содиқжон аллақандай сирли иш борлигини, поччаси ундан яшираётганини сезиб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 *эск.* Исмларга қўшилиб, ҳурмат маъносини билдиради. *Фақирдек бир содда муллонинг ўрус забонида сўзлаша билганимга таажжубланди шекилли, бошдан-оёқ Маҳзум поччангизни кузатиб чиқди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Баззоз поччанинг бекорчи оғизга тоби йўқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Озгина таҳаммул қилсин-чи, бек почча.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *шв.* Ўзидан катталарга мурожаат шакли.

ПОШИКАСТА [*ф.* پاشکسته – оёғи синган; синиқ оёқ] *с.т.* Ожиза, заифа. *Пошикаста заифаларни сўкманглар.* Т. Мурод, Отамдан қолган далалар. *Ай пошикасталар, девордан кўп бўйлай берма, полвонларнинг хаёлини бўласан! Бор, ўсмангни қўй.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ПОШЛИНА [*қад. р.* пошлина – қадимги урф-одат] Муайян иш, амаллар, кўрсатилган хизматлар учун фуқаролардан, муассаса ва ташкилотлардан давлат органлари ундириб оладиган пул йиғимлари. *Божхона пошлинаси. Суд пошлинаси.* ▬ *..сайёҳлик мақсадларига мўлжалланган транспорт воситалари учун божхона пошлиналари тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинсин.* Газетадан.

ПОШНА [*ф.* پاشنه – оёқ кафти, товон; пошна] Оёқ кийимининг товонига тагчармдан баландроқ қилиб қоқилган қаттиқ чарм ёки бошқа бирор нарса. *Ботинканинг пошнаси. Этикнинг пошнаси.* ▬ *У баланд пошналарини полга дўқ-дўқ уриб, хонадан чиқиб кетди.* «Ёшлик». *Қайтиб келганларининг эртасигаёқ Собирова опа ишда киядиган пошнаси йўғон туфлиси ва одми атлас кўйлагини кийиб, райкомга борди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ПОШНАЛАМОҚ 1 Пошна қўймоқ, пошна қоқмоқ. *Этикни пошналамоқ.*

2 Пошна билан ниқтамоқ, босмоқ, тепмоқ. *Аваз отини ўйнатди., Пошналаб чўлда жўнатди.* «Зулфизар билан Авазхон» *[Малай] ..уни [отини] қамчилаб, пошналаб қистаб суриб, бир зумда кўздан ғойиб бўлган.* С. Айний, Эсдаликлар.

ПОШНАЛИ Пошнаси бор; пошнаси баланд. *Резина пошнали этик.* ▬ *..Лекин сочларини тепасига кўтариб турмаклаб, [Раиса] оёқларига баланд пошнали туфли кийса, бўйи чўзилиб, анча хушқомат кўринарди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *[Зиёдулла:] Этигим баланд пошнали, така терисидан.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ПОШША 1 Хотин-қизларга мурожаатда ҳурмат ёки эркалатишни ифодалайди. *-Хушвақт бўлинглар, айланай, пошша қиз.. – деди хотин ва Кумушга қараб давом этди, – ану кунги сўзингиз билан йўлдан қайрилиб кирган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юринг, келин пошша, уйингизни кўрсатинг.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шу пайт Руқия пошша эшон ойига духобадай майин овози билан деди..* К. Яшин, Ҳамза.

2 Пошша (хотин-қизлар исми).

ПОШШАХОН 1 Хотин-қизларга мурожаатда ҳурмат ёки эркалатишни билдиради. *Кўзимиз тўрт бўлди, пошшахон, базмингизга муштоқмиз, қани, ўтиринг.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Энг яхши, сара. *Элмурод ҳам йигитларнинг пошшахони-да! Майли, иккови қовушсин.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *-Ҳуснда тенги йўқ. Қизларнинг пошшахони. -Билар экансиз, ҳазратим. Ўзи ҳам ўн еттидан ўн саккизга ўтиб турибди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ПОШШО *с.т.* Подшо(ҳ). *Оқ пошшонинг кумуш нишони билан кўтариб юрди у ўша ханжарни.* Х. Даврон, Қақнус. *У инқилобни ҳам*

билгани йўқ, бироқ «Некалай пошшонинг тахту тожидан айрилганидан» хабардор, холос. К. Яшин, Ҳамза.

ПОЭЗИЯ [*юн.* poiesis – асар, ижод; ижод маҳсули] **1** Бадиий ижоднинг шеърий шакли, шеърият, назм. *Поэзия назарияси.* ▬ *Поэзиянинг энг салмоқли, катта истеъдод талаб қилувчи поэма жанри Эгам Раҳимов ижодининг негизини ташкил этади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Поэзиянинг менга маълум бўлмаган сирларини айтиб берди.* Шукрулло, Сайланма.

2 Бирор шоирнинг, халқнинг ёки даврнинг шеърий асарлари мажмуи; шеърлар. *Фурқат поэзияси. Ўзбек поэзияси.* ▬ *Ҳ. Олимжон янги ўзбек поэзиясига асос солган шоирлардан биридир.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўзбек поэзиясида сиқиқлик эмас, ёйилмалик ҳукм суради.* «Ёшлик».

ПОЭМА [*юн.* poiema – ижод маҳсули, яратилган нарса] **1** *ад.* Воқеа, ҳикоя тарзида баён қилинадиган, катта ҳажмдаги шеърий асар жанри, сюжетли шеърий қисса, достон. *Лирик поэма. Эпик поэма.* ▬ *Ҳамид Олимжон ғазаллари, шеърлари, баллада ва поэмалари кишилар қалбига жуда равон кириб боради ва сингиб кетади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ғайратийнинг «Онамга хат» поэмаси унинг ижодида алоҳида ўрин тутади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *мус.* Лирик-драматик ёки лирик-ҳикоявий характерга эга ҳамда эмоционал жўшқинлик билан суғорилган эркин шаклдаги мусиқа асари.

ПОЭТИКА [*юн.* poietike – поэтик санъат] *ад.* **1** Адабиёт назариясининг сўз санъати асарлари тузилишини унинг изчил ва тарихий қонуниятлари асосида ўрганадиган бўлими; бадиий асарларда қўлланувчи ифода воситалари тизими.

2 Адабиётдаги ёки айрим шоир, ёзувчига хос бирон-бир йўналишнинг бадиий тамойиллари ва хусусиятлари тизими.

ПОЯ [*ф.* پایه – зинапоя, поғона; босқич, пой; оёқ, этак] **1** Ўсимликнинг шохларини, барг, гул ва мевасини кўтариб турадиган, тик ўсадиган ер усти қисми. *Жўхори пояси. Шоли пояси.* ▬ *Буғланиб кетган дераза ортида қамиш томдан сизиб тушаётган томчилар кўриниб қолар, ҳовли этагидаги маккажўхори поялари ёмғирдан жунжикиб эгилган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Буғдой қип-қизариб пишган, поясигача қовдек қовурилган эди.* С. Айний, Қуллар.

2 Ишком ёки сўрининг бағазлар маҳкамланадиган ёғочи. *Боғда саккиз узун ишком: ҳаммасининг поялари яхши ишланган, пушталари чопилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўприкнинг нарёғида, ишкомга пояси кесиб олинган кекса тол ёнида Дилдор билан Аъзамжон турарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бултур эллик киши борган эди. Ҳаммаси хурсанд экан, толлари пояга яраб қолди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

3 Оёқ, поча. *Каравот пояси.*

4 Устун. *Рузвон хола аста юриб келиб, Онахоннинг қаршисидаги дўкон поясига суянди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 *шв. айн.* **поча 1.** *Бир нечалар кетар қочиб, Ботир юрар жардан кечиб, Остидаги минган оти Поясидан қонни кечиб.* «Муродхон».

6 Замбил, тобут кабиларнинг тутқичи, дастаси. *Кўзлари қизарган одамлар навбат билан тобутнинг поясини елкаларига қўйиб, тез-тез қадам ташлаб кетмоқдалар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

7 Поғона, пиллапоя. *Ўртаси даҳлиз билан ажралган икки хона бор, рўпарада болохонага чиқадиган ёғоч зинанинг баъзи поялари тушиб кетган, ўзи лопилларди.* Мирмуҳсин, Умид.

8 *кўчма* Поғона, даража, босқич. *[Навоийнинг] Давлатда юқори пояга кўтарилиши хабари уни [Султонмуродни] самимий қувонтирди.* Ойбек, Навоий. *Тарбиялаб, етиштирди вояга, Топди шуҳрат, чиқди буюк пояга.* Ҳабибий.

9 Баъзи ўсимликларнинг номи билан бирикиб, улар экилган ер, майдон маъносини ифодаловчи қўшма сўз ясайди, мас: *шолипоя, бедапоя.*

ПОЯКИ [*ф.* پایه‌کی] *этн. тар.* Чилим кўтариб юриб, кашандаларга чектириб тирикчилик қилган киши. *У вақтларда бозорларда баъзи кишилар чилим кўтариб юрар, чекувчиларга чектириб, бирор нарса олардилар. Бундай одамларни «пояки» дер эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Олма отдим поякининг қизина, Бориб тегди юрагининг кўзина.* «Қўшиқлар».

ПОЯКИЛИК 1 Пояки касби; тамаки, нос сотиш билан шуғулланишлик.

2 Бозорда тамаки ва носвой дўконлари, растаси. *Пояқиликдан носвойни оламан-да, таниш ипакфуруш яҳудийдан онам буюрган ипакларни харид қилгани жўнайман.* Ойбек, Болалик.

ПОЯКИЧИЛИК *айн.* **поякилик.** *Искандаров ҳикоясини бошлади: -Менинг отам бўзчи эди. Бойлар уни синдиргач, бўзчиликни йиғиштириб, поякичилик қилди.* Ё. Шукуров, Қасос.

ПОЯМА-ПОЯ *кўчма* Поғонама-поғона, босқичма-босқич. *Юлдузларга бўлдим ҳамсоя, Чиқдим кўкка пояма-поя.* М. Шайхзода, Чорак аср девони. *Йиллар ўтавериб пояма-поя, Йиллар — умидларга оташин чароғ.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПОЯНДОЗ *с.т. қ.* **пойандоз 2.** *Анвар машина хонасидан чиқди-ю, қўлидаги қоғозни секин-секин силкитганча, ёруғ йўлакдаги гулдор пояндознинг бир чеккасидан бошини қуйи солганича юриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Оппоқ нур юқоридан пояндоз сингари тушиб, оёқлари остида тўхтаган эди.* Т. Малик, Шайтанат.

ПОЯС [*р.* пояс — тасма, камар, белбоғ; ер юзасининг ажратилган бир қисми] **1** *геогр.* Ер шари юзасининг ёнма-ён жойлашган паралеллар ёки икки меридиан оралиғидаги, маълум белгиларга қараб ажратилган қисми. *Меридианлар Ер юзини 24 поясга бўлади. Вақтнинг пояс ҳисоби. Пояс вақти.*

2 Ер шари юзасининг меридианлар билан ажратилган, табиий-иқлимий шароитлари бир хил қисми; минтақа. *Мўътадил пояс. Иссиқ пояс.* ▬ *Бу жой жуда кўп иссиқлик олади ва шунинг учун иссиқ пояс деб аталади.* «География».

3 *иқт.* Мамлакатнинг маълум иқтисодий белгиларига кўра ажратилган қисми. *Тариф пояси. Пояс нархлари.*

ПОҒОНА I [*ф.* پغنه / پاغانه — зинапоя, нарвон] **1** Зинанинг, нарвоннинг оёқ қўйиб чиқиладиган ва тушиладиган пояларидан ҳар бири; пиллапоя. *Нарвоннинг поғонаси.* ▬ *Шотининг бир поғонасига оёқ қўйиши билан калласига, қўшнининг хотини кишидан қочадиган бўлса, андишалик иш бўлмасмикин, деган ўй келди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Искандар зинадан икки поғона пастга тушиб, автобус эшигида турганча, миннатдор бош силкиди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кўчма* Ўсиш, юксалиш, тараққиёт каби тадрижий жараёнларнинг ҳар бир босқичи. *Тараққиёт поғоналари. Юксалишнинг энг юқори поғонаси.* ▬ *Мажлисда таъкидландики, мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар самарадорлигини янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор берилаётир.* Газетадан.

3 *кўчма* Амал, унвон, мартаба кабиларнинг ҳар бир босқичи. *Домла ўзи етган поғонани ҳам, олдинда уни кутиб турган мартабаларни ҳам севарди.* «Ёшлик». *Ҳа, у камолот поғоналаридан тез, ишонч билан кўтарилиб борарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Аммо кейинги пайтда бу аҳволни тубдан яхшилаш учун бир талай ишлар қилинди. Энг аввало, барча поғонадаги раҳбар кадрлар янгиланди.* Газетадан.

4 Бирин-кетин содир бўладиган иш-ҳаракатнинг ҳар бир босқичи. *Қиз эскичасига яширин равишда сотилди. Энди энг сўнгги поғона — домла имомнинг никоҳ ўқиши қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Умуртқа поғонаси *анат.* Одам скелетининг бўйин, кўкрак, бел умуртқалари, думғаза, дум суякларининг — умуртқаларнинг устма-уст бирикишидан ташкил топган қисми.

ПОҒОНА II *мус.* Товушқатор; ундаги изчиллик ва уйғунликни ташкил этган ҳар бир товуш.

ПОҒОНАЛИ 1 Поғоналари бўлган, поғонадан иборат. *Қирқ поғонали зина. Ўн поғонали нарвон.*

2 *кўчма* Босқичлари бўлган; тадрижий. *Поғонали сайловлар.*

ПРАВЛЕНИЕ [*р.* править — «бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ» фл. дан ясалган от] *эск.* **1** *қ.* **бошқарма, бошқарув.** *Колхоз правлениеси.*

2 *с.т.* Шундай орган аъзолари ёки мажлиси, йиғилиши. *Ишни правлениеда ҳал қилмоқ.* ▬ *Хўп, бу тўғрида эртага правлениеда гаплашамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Правление мажлиси эрталаб соат саккизга чақирилган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПРАВО [*р.* право — ҳуқуқ; имконият; асос, сабаб < правый — тўғри, чин, ҳақиқий] Кимсага автомобиль, мотоцикл ва б. транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, гувоҳнома. *Шофёрлик правоси.* ▬ *Сиз билан кўришиш учун ҳамма*

шофёрларингизнинг правосини олиб қўйиш керак шекилли. С. Аҳмад, Юлдуз.

ПРАВОСЛАВИЕ [*р.* православие – тўғриликка эътиқод] Христиан динининг асосий оқим (мазҳаб)ларидан бири; XI асрда Византияда шаклланган шарқий христианлик (эътиқоддаги маълум қарашлар бўйича Ғарбдаги католицизмдан фарқ қилади). *Православие руҳонийлари. Православие черкови.*

ПРАГМАТИЗМ [*юн.* pragma – иш, ҳаракат] 19-асрнинг 70- йилларида АҚШда кенг тарқалган фалсафий таълимот: билиш объектлари онгдан ташқарида мавжуд бўлмайди, балки амалий масалаларни ҳал қилиш жараёнидаги билиш ҳаракатлари орқали шаклланади, амалиётда инсонга нима кўпроқ фойда берса, ўшанга кўпроқ аҳамият бериш зарур, деган ғояни илгари сурувчи оқим.

ПРАГМА́ТИК Прагматизм тарафдори. *Яна қизиғи шундаки, мухбир саволига жавоб бера туриб М. Раҳимов, «мен сиёсатга жуда кеч келганман, мен иқтисодчи, реалист ва прагматикман», дейди.* Газетадан.

ПРАГМАТИКА [*юн.* pragma, pragmatos – иш, ҳаракат] *тлш.* Семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини, уларнинг ўзаро муносабатини ўрганувчи соҳаси.

ПРАЗЕОДИМ [*юн.* prasinos – яшил (тузларининг рангига кўра) + dymos – эгизак] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент, металл (металлургия саноатида қўлланади).

ПРАКТИК *эск.* Ўз ишида, соҳасида катта тажрибага эга бўлган, омилкор, тажрибакор мутахассис, шунингдек, фақат амалий иш орқали тажриба, билим орттирган киши. *Практик олим.*

ПРАКТИ́К *қ.* **амалий**. *Практик машғулот. Практик метод.*

ПРАКТИКА [*юн.* praktikos – фаол, ишчан, серҳаракат] **1** *флс.* Кишиларнинг моддий олам ва жамиятга таъсир ўтказиш йўлида қиладиган ўзгартирувчилик ва бунёдкорлик фаолияти.

2 *қ.* **амал 1, амалиёт.**

3 *қ.* **амал 3, амалиёт.** *Автомат манипуляторларни ишлаб чиқариш ва практикага кенг жорий этиш ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан биридир.* Газетадан.

4 *эск.* Олий ва махсус ўрта ўқув юртларида ўқиш-ўқитиш шаклларидан бири – ўқувчи ва талабаларнинг таълим жараёнида олган назарий билимларини корхона, муассаса ва б. жойларда татбиқ этиши ва мустаҳкамлаши; амалиёт. *Ишлаб чиқариш практикаси. Талабаларнинг педагогик практикаси. Практикага бормоқ.* ▬ *Аҳмад таътил пайтида Фарғона водийсига практикага борди-ю, у ердаги одамларга қойил қолди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мактабларига практикага келган қиз ёшгина, чиройли студент йигитга турмушга чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПРАКТИКАНТ *эск.* Амалиёт ўтаётган ўқувчи, талаба. *Врач практикантлар билан касал кўрмоқда.* ▬ *Шаҳардан чиққан бир тўда практикант-студентлар.. ўша даврда машҳур бўлиб кетган бир қўшиқни айтишар.. эди.* С. Аҳмад, Тоғларда.

ПРАКТИКУМ [*юн.* praktikos – фаол, ишчан] Асосан олий ўқув юртида бирор ўқув фани бўйича ўтказиладиган амалий машғулотлар мажмуи. *Кимё практикуми. Практикум раҳбари.*

ПРЕДМЕТ [*р.* предмет – нарса, объект] **1** Сезги аъзолари орқали ҳис қилинадиган, онгимиздан ташқари мавжуд бўлган ҳар қандай аниқ моддий нарса. *..дунёдаги нарсалар, предметлар туғилади, унади, тарқалади, яралиб, йўқ бўлиб туради.* «Гулистон».

2 Айрим ўқув фанини ташкил этган билимлар мажмуи; ўқув фани, дарс. *-Лекин ўқитувчилар ўз предметини яхши билсагина [конспект тузиш] шарт эмас, – деди Нишонов.* С. Зуннунова, Янги директор.

ПРЕДОХРАНИТЕЛЬ [*р.* предохранять – «сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ» фл. дан ясалган от] Отиш қуроли, электр тармоғи ва ш.к. нинг хавфсизлигини таъминловчи мослама. *Электр предохранители. Милтиқ предохранители.*

ПРЕЗЕНТАЦИЯ [*лот.* praesentatio – тақдим этиш, кўрсатиш] Бирор янги, яқинда пайдо бўлган, яратилган нарсанинг (мас., китоб, журнал, кинофильм, теледастур, ташкилот ва ш.к. нинг) жамоатчиликка расман тақдим этилиши. *Кўп ўтмай Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳам чиқди. Яқинда эса худди шу жамғарманинг презентацияси бўлиб ўтди.* Газетадан.

ПРЕЗИДЕНТ [*лот.* praesidens, praesidentis – олдинда ўтирувчи] **1** Республика бошқаруви шаклидаги кўпчилик мамлакатларда маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи. *Ўзбекистон президенти.* ▬ *Бунда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.* Газетадан. *Деҳли сафари чоғида Ҳиндистон раҳбарлари билан, жумладан, президент, вице-президент, бош вазир, бошқа ҳукумат аъзолари билан учрашувлар ўтказилди.* Газетадан. *Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун ўтказилаётган мусобақанинг барча иштирокчилари ва ташкилотчиларини табриклаш менга улкан мамнуният бахш этади.* Газетадан.

2 Баъзи илмий муассаса ёки жамиятларнинг маълум муддатга сайлаб қўйилган бошлиғи, раҳбари. *Фанлар академиясининг президенти.* ▬ *Конференцияда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, таниқли ёзувчи Ч. Айтматов сўзга чиқди.* Газетадан. -*Юзаки қараганда, мураббийлардан давлат мадҳиясини айтиб беришни сўраб ўтириш баъзиларга бошқачароқ бўлиб туюлиши мумкин, – дейди федерация президенти Пўлат Усмонов.* Газетадан.

3 Фирма, банк, компания ва ш.к. даги юқори мансабдор шахс. *Банк президенти. Компания президенти.*

ПРЕЗИДЕНТЛИК 1 Президент лавозими, мансаби. *Президентликка сайламоқ.*

2 Республика тузумидаги мамлакатларнинг маълум муддатга сайлаб қўйиладиган раҳбарлиги. *Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашган.* Газетадан.

Президентлик бошқаруви Фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда давлат бошқарувида қўлланадиган вақтинчалик бошқарув шакли. *Президентлик бошқарув усули – шу тизимнинг ўзагидир.* Газетадан.

ПРЕЗИДИУМ [*лот.* praesidere – олдинда ўтирмоқ, раислик қилмоқ] **1** Мажлис, кенгаш ва ш.к. катта йиғилишларни бошқариб бориш учун сайланган кишилар гуруҳи; ҳайъат. *Олий Мажлис президиуми. Президиум сайламоқ.* ▬ *Азизхон кейинги пайтларда президиумларда ўтириб ўрганган, пастда қолиб кетган пайтларда мажлисга келгандек бўлмасди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ёзувчилар уюшмасида бўладиган йиғинларга келган ёшлар ҳамиша Абдулла Қаҳҳорнинг сўзга чиқишини сабрсизлик билан кутишар, президиумга доимо даста-даста саволлар тушарди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

2 Баъзи ташкилот, жамият ёки илмий муассасанинг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик органи. *Фанлар академиясининг президиуми.*

ПРЕЙСКУРАНТ [*нем.* Preiskurant < *фр.* prixcourant < *фр.* prix – нарх, баҳо + courant – жорий, ҳозирги кундаги] *иқт.* Товарлар, турли хизматлар ва маҳсулотларнинг тизимлаштирилган нархлар рўйхати; нархлар ҳақида маълумотнома; нархнома.

ПРЕМЬЕРА [*фр.* premier – биринчи] Янги спектакль, эстрада, цирк томошалари, янги фильм кабиларнинг биринчи бор оммавий намойиш қилиниши. *..Ўша куни премьера экан, билим юртининг кичкина залига одам сиғмайди.* О. Ёқубов, Излайман. *Премьера. Бугун ҳамма: режиссёрдан тортиб раққосагача, гримчидан тортиб монтёргача ҳаяжонда.* «Ёшлик». *Муаллиф номига жуда кўп театрлардан устма-уст телеграммалар келар, улар Абдулла Қаҳҳорни премьерага таклиф қилишар эди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПРЕМЬЕР-МИНИСТР [*фр.* premier ministre – биринчи, бош вазир] Ҳукумат бошлиғи, Вазирлар Маҳкамаси кенгаши раиси.

ПРЕПАРАТ [*лот.* praeparatus – тайёрланган] **1** *ким.* Лаборатория ёки фабрикада тайёрланган кимёвий ёки фармацевтик маҳсулот. *Дори-дармон препаратлари.* ▬ *Эшитиш ҳиссиёти суст бўлган, эшакем касаллигига мойил, қон ивиши паст бўлган кишилар учун ҳам аспирин препарати салбий таъсир кўрсатади.* Газетадан. *Янги препарат қўлланганида, тери тоза бўла бошлайди.* Газетадан.

2 Жонивор ёки ўсимлик организмининг анатомик, гистологик ва б. жиҳатдан ўрганиш жараёнида кузатиш ёки текшириш учун тайёрланган қисми. *Анатомик препарат. Бақа юрагининг препарати. Препаратлар кўргазмаси.*

ПРЕСС [*лот.* presso – босаман, эзаман] Материалларни кучли босим билан (босиб, сиқиб) текислайдиган, деталга босим остида ишлов берадиган машина; исканжа. *Қўл пресси. Штамповка пресси. Прессда сиқиб олинган кунжара.* ▬ *Юқори унумли прессларда соатига 350 та деталь ишлаб чиқариш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ПРЕССА [*фр.* presse – матбуот] Оммавий даврий матбуот (газеталар, журналлар).

ПРЕСС-АТТАШЕ [*фр.* press-attashe] Матбуот ва жамоатчилик билан алоқа масалаларини амалга оширувчи атташе, вакил.

ПРЕСС-БЮРО [*ингл.* press-bureau < *фр.*] *айн.* **матбуот бюроси** *қ.* **матбуот**.

ПРЕСС-КОНФЕРЕНЦИЯ [*ингл.* press-conference < *фр.*] *айн.* **матбуот конференцияси** *қ.* **матбуот**.

ПРЕССЛАМОҚ Пресс билан ишлов бермоқ ёки босиб жойламоқ, тахламоқ, исканжаламоқ. *Деталнi прессламоқ. Пахтани прессламоқ.*

ПРЕССЛОВЧИ Пресс билан ишлов берувчи, исканжаловчи киши. *Мева консерва заводининг прессловчиси Аҳмад Сатторовнинг гапини ҳамма маъқуллади.* М. Хайруллаев, Алёр.

ПРЕСС-ПАПЬЕ [*фр.* press-papirs < presser – босмоқ, қисмоқ + papier – қоғоз] Босма қоғоз маҳкамлаб қистирилган канцелярия асбоби; босма.

ПРЕСС-СЕКРЕТАРЬ [*ингл.* presse-secretary] Президент ёки бош вазирнинг матбуот бўйича котиби (вакили); матбуот котиби.

ПРЕФЕКТУРА [*лот.* praefectura – раҳбарлик, бошчилик; маъмурий даҳа; ноиблик, ноиб қўл остидаги ўлка] Баъзи мамлакатларда, мас., Японияда, асосий маъмурий-ҳудудий бирлик; вилоят.

ПРЕФЕРЕНЦИЯ [*лот.* praeferre – афзал кўрмоқ, имтиёз бермоқ] Бирор бир фаолият турини (мас., айрим ёки барча турдаги импорт молларни олиб киришни) қўллаб-қувватлаш учун айрим давлатлар, корхоналар, ташкилотларга бериладиган афзаллик, имтиёзлар.

ПРЕФИКС [*лот.* – praefixum < prae – олддан, олдиндан + fixus – бириктирилган] *тлш.* Сўзнинг ўзак олдидан қўйиладиган қисми, олд қўшимча (*бе-*, *но-* каби: *бенуқсон, нотўғри*).

ПРИБОР [*р.* прибор – асбоб, мослама] **1** Бирор ишни бажариш, бошқариш, тартибга солиш, ҳисоблаш учун ишлатиладиган махсус мослама, аппарат, асбоб. *Ўлчаш прибори. Оптик прибор. Иситиш прибори.* ▬ *Пахта толаси сифатини аниқлайдиган прибор ҳам яратилди.* Газетадан. *Сезгир приборлар ер бағрининг ҳолатига туну кун қулоқ солиб туради.* Газетадан.

2 Маълум бир иш ёки мақсад учун қўлланадиган нарсалар мажмуи. *Ёзув прибори.*

ПРИВАТИЗАЦИЯ [*лот.* privatus – хусусий, айрим шахсга тегишли ёки алоқадор] *иқт.* Давлат ёки маҳаллий бошқарувга тегишли мол-мулкни (ер майдони, саноат корхонаси, банк, транспорт ёки алоқа воситалари, бино, уй-жой ва ш.к. ни) пулга ёки текин хусусий мулк қилиб бериш; хусусийлаштириш. *Приватизация шароитга қараб пулли, бепул ёки имтиёзли тарзда ўтказилади.* «Иқтисодиёт назарияси».

ПРИЁМНИК [*р.* принять – «қабул қилиб олмоқ» фл. дан ясалган от] *эск.* **1** Радиотехника ва телемеханикада электромагнит, ёруғлик ва б. тўлқинлар ёрдамида сигнал, нутқ, мусиқа, тасвир кабиларни қабул қилиш учун мўлжалланган аппарат.

2 *с.т.* Радиоприёмник. *Ўрнидан туриб, приёмникни буради-да, унга бағрини бериб, тирсаги билан суянганича, деразадан ҳовлига қараб, индамай тураверди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Бу устахонада турли маркадаги приёмник, телевизорлар чанг босиб ётарди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ПРИЗМА [*юн.* prisma – қирқилган, арраланган] **1** *мат.* Икки ёғи (асослари) тенг ва параллел кўпбурчакдан, ён ёқлари эса параллелограммлардан иборат бўлган кўпёқлик. *Уч ёқли призма. Кўп ёқли призма.*

2 *физ.* Худди шундай шаклга эга бўлган, турли оптик, спектрал асбоб ва аппаратларда ёруғлик нурининг йўналишини ўзгартириш, мураккаб нурни спектрга ажратиш ва б. жараёнлар учун хизмат қиладиган шишасимон ўта тиниқ жисм. *Нурни призма орқали спектрларга ажратмоқ.*

Призмадан ўтмоқ *кўчма* Муайян омилларнинг билвосита таъсирида бўлмоқ, шундай таъсирни бошдан ўтказмоқ. *Мазкур ғоялар, шак-шубҳасиз, бутун бир миллий қадриятлар ва тасаввурлар призмасидан ўтган эди.* Газетадан.

ПРИКАЗЧИК [*р.* приказать – «буюрмоқ, буйруқ, фармойиш бермоқ» фл. дан ясалган от] *эск.* **1** Савдогарларга ёлланган ва уларнинг савдо-сотиқ ишларини олиб борган хизматчи; гумашта. *Улар харидор билан битишгандан сўнг, қолган ҳамма ишни.. приказчик Саидмурод бажарар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Помешчикнинг ер-мулкини бошқарувчи, хўжалик ишларини бажарувчи хизматчи.

ПРИЛАВКА [*р.* прилавок – пештахта] *с.т. эск. айн.* **пештахта.** *Салимжон прилавка устига молларни ёйди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ПРИМИТИВ [*лот.* primitivus – биринчи, илк, дастлабки, энг аввалги] **1** Замонавий талабларга жавоб бермайдиган, жуда содда, ибтидоий. *Примитив асбоб.*

2 Илмга асосланмаган; оддий, содда. *Примитив қарашлар.* ▬ *Ота-боболаримиздан қолган примитив методлардан аллақачон воз кечганмиз.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПРИМУС [*лот.* primus – биринчи] *эск.* Рўзғорда овқат пишириш, сув иситишга мўлжалланган, керосинни горелкага ҳайдаб берувчи насоси бўлган асбоб. *Гугуртни топиб, примусни ёқди.* «Ёшлик». *Ғозиддин примусни бағиллатиб, чой қўйди, нон ушатди, пиёздай юпқа қилиб колбаса тўғради.* «Шарқ юлдузи».

ПРИНТЕР [*ингл.* printer] Компьютерда матн ёки график тарздаги маълумотларни қоғозга чиқариш (чоп қилиш) учун мўлжалланган босиш қурилмаси. *Бу йил яна шу туманлардаги мактабларга университет балансидан 22 та компьютер, принтерлар, лингафон синфлари учун жиҳозлар ҳадя этилди.* Газетадан.

ПРИНЦИП [*лот.* principium – асос, негиз; ибтидо] **1** Бирор назария, таълимот, дунёқараш ва ш. к. нинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган бош ғоя, қонун-қоида. *Қонунларимизда сайлов принциплари тўла ва аниқ акс этиши зарур.* «Фан ва турмуш». *Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир.* Газетадан. *Бизнинг принципларга мувофиқ бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш керак.* Газетадан.

2 Хулқ-атвор, хатти-ҳаракат меъёрларини белгилайдиган, киши оғишмай амал қиладиган ички ишонч, нуқтаи назар, қараш, маслак. *Принципи йўқ одам. Принцип юзасидан иш тутмоқ.*

ПРИНЦИПИАЛ [*лот.* principialis – бош, асосий] *сфт.* Принципдан келиб чиқадиган, муҳим, жиддий. *Принципиал қарама-қаршилик. Принципиал масала.* ▬ *Жаҳондаги ҳозирги вазиятга икки принципиал ҳолат хосдир.* Газетадан.

2 *қ.* **принципли.** *Принципиал одам.*

ПРИНЦИПИАЛЛИК 1 Принципиал ҳолатга хослик, муҳимлик, жиддийлик. *Масаланинг принципиаллиги.*

2 Ишда ўз принципини изчиллик билан амалга ошириш, бир принципда маҳкам туриш. *Раҳбарнинг принципиаллиги.*

ПРИНЦИПЛИ Принципга қаттиқ риоя қиладиган, бир принципда маҳкам турадиган. *Принципли олим.*

ПРИНЦИПСИЗ Бир фикрда маҳкам тура олмайдиган; бурди йўқ, бебурд. *Принципсиз киши.*

ПРИСТАВ [*р.* приставить – «қараб, назорат қилиб туриш учун қўймоқ, тайинламоқ» фл. дан] *тар.* Чор Россиясида: кичикроқ ҳудуддаги маҳаллий полиция бошлиғи. *Ҳали ҳоким билан приставларга берадиган ақча, мингбошилик буйруғини олганда қиладиган чиқимлар бу ҳисобдан ташқаридир.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПРИСТАНЬ [*р.* пристать – «келиб тўхтамоқ» фл. дан ясалган от] Дарё ва б. сув ҳавзалари соҳилида қайиқлар, кемалар тўхтайдиган, махсус жиҳозланган жой; кичик порт. *Амударё пристанлари.*

ПРИЦЕП [*р.* прицепить – «тиркамоқ, уламоқ» фл. дан] Ўзиюрар транспорт воситаларига тиркалган арава (моторсиз вагон, платформа); тракторга тиркалган машина, қурол. *Пахтани прицеплар билан ташимоқ.* ▬ *У худди юк машинасининг орқасига тирков қилиб қўйилган прицепдек гап.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПРОБА [*пол.* proba – текшириш, синаш < *лот.* probare – текширмоқ, синаб кўрмоқ] **1** Қотишманинг муайян масса улушлари миқдорида қанча қимматбаҳо металл борлигини билдирувчи рақам. *96 пробага эга бўлган олтин.*

2 Шундай рақам (миқдор)ни кўрсатувчи тамға. *Пробаси ўчиб кетган олтин қошиқ.*

3 Модда, материал, овқат ва ш.к. нинг синаш, текшириш, таҳлил қилиш учун олинган бир қисми, намунаси. *Текшириш учун газ пробасини олмоқ.*

ПРОБИРКА [*р.* пробирка < *нем.* probieren – "текширмоқ, синаб кўрмоқ; тотиб, еб кўрмоқ" фл. дан] Лаборатория ишларида қўлланадиган бир томони берк юпқа шиша найча.

ПРОБКА [*р.* пробка – пўкак, тиқин < *нем.* prop] **1** *айн.* **пўкак 1.**

2 Бутилка ва ш. к. идишларнинг қопқоғи; тиқин. *Пробкаси отилиб, қиттак шароб тўкилди, Ранжима, қиз, доғ бўлмас, ширин гулоб тўкилди.* Ў. Мирзо. *Шишанинг оғзига қараб интилган муз пробкани итариб чиқаради.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 *с.т.* Электр сақлагичи; предохранители.

ПРОБЛЕМА [*юн.* problema – вазифа, топшириқ] *қ.* **муаммо 3.** *Тинчлик проблемаси. Халқаро проблема.*

ПРОБЛЕМАЛИ *эск. қ.* **муаммоли 2.** *Бу проблемали масала. Проблемали иш.*

ПРОБЛЕМАТИК *эск. қ.* **проблемали**. *Проблематик масала.*

ПРОВАЙДЕР [*ингл.* provider] Ўз мижозларига интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича турли хизматлар кўрсатувчи фирма, воситачи ташкилот. *«Интернет» тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш баҳоси нисбатан юқори бўлгани ҳолда, провайдердан кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражаси у қадар талабга жавоб бермайди.* Газетадан. *Интернет тармоғидан фойдаланувчилар ва провайдерлар сони тобора ортиб бормоқда.* Газетадан.

ПРОВИЗОР [*лот.* provisor – бирор нарса ҳақида олдиндан ғамхўрлик кўрсатувчи, олдини олувчи] Олий фармацевтика маълумотига эга бўлган дорихона ходими.

ПРОВИНЦИАЛИЗМ [*лот.* provincialis – провинцияга оид] *кам қўлл.* Провинцияларга, чекка жойларга хос ҳаёт, тартиб-қоида ва хусусиятлар.

ПРОВИНЦИЯ [*лот.* provincia – мамлакат; Римга тегишли вилоят] **1** *тар.* Қадимги Римда: римликлар забт этиб олган ва уларнинг ноиблари томонидан бошқарилган ҳудудлар, ўзга мамлакат.

2 18-асрда Россияда ва ҳозирги баъзи давлатларда (Италия, Канада каби): маъмурий-ҳудудий бирлик, вилоят.

3 Пойтахтдан, маданий марказлардан узоқ жойлар, чекка ўлкалар.

ПРОВОДНИК [*р.* проводить – «кузатмоқ, жўнатмоқ» фл. дан ясалган от] Вагонни кузатиб борувчи ва йўловчи (пассажир)ларга хизмат қўрсатувчи темир йўл ходими. *Бир куни яна проводник йигит унинг остонасида пайдо бўлди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Поезд тўхтаганда, югургилаб битта проводникка рўпара бўлдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ПРОВОКАТОР [*лот.* prowocator – бир иш-ҳаракатга, жангга чорловчи] **1** Иғво, ғаламислик йўли билан иш кўрувчи; кишиларни номақбул ишларга гижгижловчи; иғвогар, фитначи, ғаламис.

2 Провокация уюштириш мақсадида айрим ташкилотга суқилиб кириб олган айғоқчи; сотқин.

ПРОВОКАЦИЯ [*лот.* provocatio – чақириқ; шикоят аризаси, шикоят ҳуқуқи] **1** Қасддан уюштирилган ва оғир оқибатларга олиб келадиган хоинона иш ёки хатти-ҳаракат; фитна, иғвогарлик.

2 Ҳарбий тўқнашув, можаро келтириб чиқариш мақсадида қилинган тажовузкорлик хатти-ҳаракати. *Қуролли провакация.*

3 *тиб.* Касалликнинг охиригача даволаш мақсадида унинг айрим белгиларини сунъий равишда атайлаб қўзғатиш ёки кучайтириш.

ПРОГНОЗ [*юн.* prognosis – олдиндан билиш, илмий асосланган башорат] **1** Бўлажак воқеа ёки ҳодисаларнинг қандай кечишини, ривожланишини ва оқибатини махсус изланишлар, мавжуд далиллар ва маълумотларга асосланиб, олдиндан айтиб бериш; олдиндан чиқарилган хулоса. *Об-ҳаво прогнози. Сиёсий воқеалар прогнози. Касаллик прогнози.* ▬ *Зилзилани прогноз қилиш унинг ўчоғи ва атрофидаги барча жараёнларни билиш демакдир.* Газетадан. *2001 йилнинг белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш.. юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама этилади.* Газетадан.

ПРОГНОЗЛАШ 1 Прогноз тузиш, тайёрлаш.

2 Бирор-бир ижтимоий ҳодисанинг аниқ истиқболларини махсус илмий тадқиқ этиш. *Иқтисодий прогнозлаш.*

ПРОГРАММА [*юн.* programma – эълон; кўрсатма, йўл-йўриқ] *қ.* **дастур 1.** *Қишлоқ*

меҳнаткашлари мамлакат озиқ-овқат программасига улкан ҳисса қўшмоқдалар. Газетадан.

2 Ҳукумат, сиёсий партия, жамоат ташкилоти ёки айрим давлат, жамоат арбоби томонидан мўлжалланган асосий вазифа ва мақсадлар баён қилинган ҳужжат. *Ҳамкорлик программаси имзоланди.* Газетадан.

3 Мажлис, йиғилиш, конференция кабиларнинг кун тартиби; уларда кўриладиган масалалар рўйхати.

4 Театр, концерт, цирк томошалари бўлимларининг, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларнинг мундарижаси, рўйхати, шунингдек, ижро этиладиган роллар, номерлар, чиқишлар ва ижрочиларни ўзида акс эттирган босма варақа ёки китобча. *Бу пайт Ефим Данилович билан Абдусамат концерт программаси ҳақида гаплашишарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 Муайян ўқув фани бўйича олиб бориладиган таълим (ўқиш-ўқитиш ишлари) нинг қисқача изчил баёни; ўқувчи ўзлаштириши шарт бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи. *Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишлари билан ўқув программасини жипслаштириш мақсадга мувофиқ.* «Фан ва турмуш». *Дарслик, программа тузувчи олим ва педагогларимиз ҳозирги мактаб ўқувчиларининг бир йўла уч тилда ўқишларини ҳисобга олсалар, ёмон бўлмасди.* «Ёшлик». *Ўн уч ёшида мактаб программасини битириб, ёш бўлса ҳам, Анвар халфалик, яъни домлага кўмакчилик қила бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

6 Бирор ўқув фани ёки курснинг белгиланган ҳажми баён қилинган варақа ёки китобча. *Математикадан программа.*

7 Ҳисоблаш техникасида: масалани ечиш алгоритмининг программалаш тилидаги тавсифи, баёни.

ПРОГРАММАЛАШ Электрон машиналарда масалаларни ечиш ҳамда уларда ҳар хил ақлий меҳнат турларини бажариш назарияси ва усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган фан; алгоритмлар назариясининг амалий бўлими.

Программалаш тили Маълумотлар (информациялар)ни ва уларни электрон машиналарда ишлаш алгоритмларини баён қилувчи расмий тил.

ПРОГРЕСС [*лот.* progressus – олдинга ҳаракатланиш] Ривожланишнинг қуйидан юқорига борадиган йўналиши; ривожланишнинг янада юқорироқ босқичига ўтиш; яхши томонга ўзгариш. *Техника прогресси.* ▬ *Умуман, мен фанни «илғор, тараққиёт, прогресс» деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан.* Газетадан.

ПРОГРЕССИВ 1 Прогрессга, ривожланишга оид, тараққиётга олиб борувчи, унга ёрдам берувчи; илғор, тараққийпарвар. *Прогрессив ёзувчи. Прогрессив инсоният. Прогрессив ҳаракат.* ▬ *Бир вақтлар камтар бир муаллим, прогрессив интеллигент, бир неча ёшларни зиёфатга таклиф этган экан.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Мунтазам равишда ўсиб борадиган, тобора ривожланадиган. *..Ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаги вазифа.. чуқур прогрессив силжишларга эришишдир.* Газетадан.

3 Тобора кўпроқ фойда келтирадиган, меҳнат унумини оширадиган. *Прогрессив технология. Пахта етиштиришнинг прогрессив усуллари.*

ПРОГРЕССИЯ [*лот.* progressio – олдинга силжиш, ўсиш] *мат.* Иккинчи ҳадидан бошлаб ҳар бир ҳади ўзгармас бўлган доимий сонни қўшишдан ёки доимий сонга кўпайтиришдан ҳосил бўладиган сонлар кетма-кетлиги. *Арифметик прогрессия. Геометрик прогрессия.* ▬ *Ҳозирги даврда инсониятнинг ривожланиши геометрик прогрессия бўйича бормоқда.* «Фан ва турмуш».

ПРОГУЛ [*р.* прогулять – «ўйнаб юриб кечикиб қолмоқ, ишга бормай (келмай) қолмоқ» фл. дан] *эск.* Ишга ёки ўқишга сабабсиз келмай қолиш. *Эртасига, кечроқ бўлса ҳам, ишга бордим. Аммо картошка кавлашганида, бир-икки кун боролмадим. Мана шу жуда ёмон бўлди: бошқа прогулларни ҳам кўзга кўрсатиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Саккиз соат прогул қилган одамга ҳеч нарса демасликка менинг ҳаққим йўқ.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ПРОГУЛЧИ *эск.* Ишга ёки ўқишга сабабсиз келмай қолган, прогул қилган киши. *Жонфиғон охири инсофга келиб, шу бу йил қишда нон заводига ишга кирибди, аммо бир ой ишлашмасдан, прогулчи тарзида ишдан ҳайдалибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. *Сифат учун жиддий кураш бошланган жойларда дангасалар ва прогулчилар камайди.* Газетадан.

ПРОДЮСЕР [*ингл.* producer < *лот.* producere – ишлаб чиқармоқ; яратмоқ] **1** Кинокомпаниянинг кинофильмлар ишлаб чиқаришда ғоявий-бадиий ва ташкилий-молиявий назоратни амалга оширувчи ишончли кишиси. *Танлов шартларига кўра бу мукофот фильм продюсерига топширилди.* Газетадан. *Продюсерлар ўз маблағларини бугун ишга солишдими, эртагаёқ унинг фойдасини олишга уринишади.* Газетадан.

2 Бирор хонанда ёки эстрада гуруҳи томонидан тайёрланган концерт ёки томоша дастурига оид бўлган маъмурий-молиявий ишларни ташкил қилувчи киши. *-Айниқса, вокал бўйича педагог, таниқли композитор Дилором Омонуллаева, продюсер Фарҳод Жўраевлар менга катта ёрдам беришди, – дейди Диана.* Газетадан.

ПРОЕКТ [*лот.* projectus – олдинга ирғитилган, отилган] **1** *қ.* **лойиҳа 1.** *Ҳайкал проекти. Қурилиш проекти.*

2 *қ.* **лойиҳа 2.** *Қонун проекти. Шартнома проекти. Қарор проекти.*

ПРОЕКТЛАМОҚ *қ.* **лойиҳаламоқ**. *Қишлоқ қурилишини проектламоқ.*

ПРОЕКЦИЯ [*лот.* projectio – олдинга, ирғитиш, отиш] **1** *мат.* Бирор нарсанинг текисликдаги, мас., қоғоздаги акси, тасвири. *Нуқта проекцияси. Чизиқ проекцияси. Цилиндрнинг горизонтал текисликка проекцияси.* ▬ *Проекциялари тенг бўлган икки оғма тенгдир.* «Геометрия».

2 Оптик асбоблар воситаси билан экранга туширилган тасвир.

ПРОЕКЦИЯЛАМОҚ Проекциясини туширмоқ, ясамоқ, ҳосил қилмоқ. *Детални горизонтал текисликка проекцияламоқ.*

ПРОЖЕКТОР [*фр.* projecteur < *лот.* projectio – олдинга ирғитиш, отиш] Ёруғлик нурини, шуълани тўплаб, маълум томонга йўналтирадиган оптик қурилмали ёритиш асбоби. *То тонг саҳаргача прожекторлар дарё қирғоқларини кундуздек ёритиб турар, тракторларнинг шовқини, одамларнинг у қирғоқдан бу қирғоққа қараб бақирибчақиришлари қишлоқларга ҳам эшитилар эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПРОЗА [*нем.* Prosa < *лот.* prosa (oratio) – оддий, жўн (нутқ)] **1** *ад.* Бадиий ижоднинг асосий турларидан бири, адабий тур; наср.

2 Ўлчамли мутаносиб бўлаклар – шеърларга бўлинмаган оғзаки ёки ёзма нутқ; наср билан ёзилган бадиий асар. *Проза билан ёзилган асар.* ▬ *«Миллий роман» аслида ўзбек адабиётида, ўзбек прозасида янгилик эди.* Ю. Султонов, Ҳамза. *Ғафур Ғуломнинг ўзбек прозаси тараққиётидаги ўрни ва ролини белгилашга бағишланган қатор илмий мақолалар, асарлар ёзилган.* С. Мамажонов, Ғафур Ғулом прозаси.

ПРОЗА́ИК I [*лот.* prosaicus – проза яратувчи] Проза йўли билан ёзувчи, насрий асарлар яратувчи адиб. *Прозаик ёзувчи.*

ПРОЗАИ́К II [*лот.* prosalis – прозада ёзилган] Проза жанрига оид; наср, проза билан ёзилган. *Прозаик асар.*

ПРОЗАЧИ *айн.* **прозаик** I.

ПРОКАТ I [*р.* прокатать – «жўваламоқ, ёймоқ» фл. дан] *тех.* **1** Прокатка йўли билан тайёрланган металл маҳсулот [металл тахта (лист), тўсин, рельс, сим ва ш. к.]. *Прокат ишлаб чиқариш.* ▬ *Бекободдаги металл заводи қувватини дастлаб 1,5 миллион тоннага қадар прокат ишлаб чиқарадиган даражага етказиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.* «Фан ва турмуш».

2 *айн.* **прокатка.**

ПРОКАТ II [*р.* прокат – ижарага (кирага) бериш ёки олиш] Рўзғор буюмлари, машина, мотоцикл ва ш.к. ни маълум миқдордаги ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун бериб ёки олиб туриш. *Спорт буюмлари прокати. Прокатга машина олмоқ.*

ПРОКАТКА *тех.* Айланувчи икки жўва (вал) орасидан сиқиб ўтказиш йўли билан турли шаклдаги металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш, прокат ҳосил қилиш. *Тунука прокатка қилмоқ. Прокатка қилинган труба. Металлни прокатка қилиш.*

ПРОКАТЧИ *тех.* Прокатка қилувчи ишчи, прокатка мутахассиси.

ПРОКЛАМАЦИЯ [*лот.* proclamatio – мурожаатнома, чақириқ] Ташвиқот мазмунидаги босма мурожаатнома, варақа.

ПРОКТИТ [*юн.* proktos – орқа чиқарув тешиги, йўғон ичак + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Тўғри ичак шиллиқ қаватининг яллиғланиши.

ПРОКТОЛОГИЯ [*юн.* proktos – тўғри ичак + logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг тўғри ичак, орқа чиқарув тешиги ва оралиқ соҳаси касалликларини, шунингдек, уларни даволаш усулларини ўрганадиган бўлими.

ПРОКУРАТУРА [«прокурор» с. дан] Мамлакатда қонунларга тўла амал қилиниши ва уларнинг тўғри қўлланиши устидан назорат қилиб турувчи ва судда давлат манфаатларини, давлат номидан тузилган айбномани ҳимоя қилувчи давлат органи. *Прокуратура органлари.* ▬ *Мирсаид унинг прокуратурада ишлайдиган Маннонов эканини пайқади-ю, шоша-пиша изоҳ берди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ушбу ҳолатлар юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.* Газетадан.

ПРОКУРОР [*фр.* procureur < *лот.* procurare – ғамхўрлик қилмоқ] **1** Қонунларга тўла амал қилиниши ва уларнинг тўғри қўлланиши устидан давлат назорати олиб борувчи мансабдор шахс. *Республика прокурори.* ▬ *Қонунлар ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?* Газетадан.

2 Суд жараёнида давлат қораловчиси. *Маҳаллий терговчининг «тергов протоколи» билан ҳарбий суд прокурорининг айблаш қоғози топширилган вақтида, у бошқа катта бир ишни олиш тўғрисида ўзига ўхшаган бир киши билан гаплашиб ўтирган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ПРОЛЕТАР(ИЙ) [*лот.* proletarius – қадимги Римда: камбағал, қашшоқ фуқаро] *эск.* Ёлланма ишчи.

ПРОЛЕТАРИАТ [«пролетарий» с. дан] *эск.* Марксистик назария ва шунга яқин оқимларда: ишчилар синфи; яшаш манбаи ўз ишчи кучини ишлаб чиқариш воситалари эгаларига сотишдан иборат бўлган ёлланма ишчилар синфи.

ПРОЛОГ [*юн.* prologos – муқаддима < pro – олд, олдинда + logos – сўз, нутқ] **1** Театрда спектакль бошланиши олдидан ижро этиладиган кўриниш, саҳна.

2 Адабий-бадиий асарларда асосий баёндан олдин келадиган воқеаларни тасвирловчи ёки уларни тушунтирувчи муқаддима қисми; *зид.* **эпилог.**

ПРОЛОНГАЦИЯ [*фр.* prolongation < *лот.* prolongare – узайтирмоқ, чўзмоқ] *ҳуқ.* Заём, вексель ва шартномаларнинг амал қилиш муддатларини узайтириш.

ПРОМЕТИЙ [*юн.* Prometheus – Прометей (юнон мифологиясида осмондан олов ўғирлаб, кишиларга ҳадя этган ва ундан фойдаланишни ўргатган афсонавий баҳодир) номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент; табиатда учрамайдиган, сунъий йўл билан олинган металл.

ПРОМИЛЛЕ [*лот.* pro mille – мингга, мингтага] Бирон-бир соннинг мингдан бир улуши.

ПРОПАГАНДА [*лот.* propaganda < propagare – ёймоқ, тарқатмоқ] **1** Муйян ғоялар, назария ва таълимотлар, қарашларни оммага ёйиш, тарқатиш, тушунтириш; оммага ғоявий таъсир ўтказиш; тарғибот. *«Янги урф-одат, маросимларни пропаганда қилиш, уларни меҳнаткашлар турмушига жорий қилиш – мафкура ишининг муҳим соҳаси» деган мавзуда республика семинари ўтказилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият.

ПРОПАГАНДИСТ *қ.* **тарғиботчи**. *Пропагандист кадрлар.* ▬ *Пропагандистлар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш иқтисодий таълимнинг самарадорлиги ва сифатини таъминлашнинг ҳал қилувчи йўлидир.* Газетадан.

ПРОПЕЛЛЕР [*лот.* propellere – олдинга ҳайдамоқ, итармоқ] Самолёт, вертолёт, дирижабль ва ш.к. нинг учиши, аэрочананинг ҳаракатланиши учун зарур бўлган тортиш кучи олинадиган қурилма. *Эҳ, жанговар пропеллерлар товуши. Нав бўсадай ширин туюлди.* А. Мухтор. *Ҳашаротнинг қанотлари самолётнинг қанотларига ўхшамайди, ҳашарот қанотларидан ҳар бири – ўнг ва чап қаноти алоҳида-алоҳида ишлайдиган пропеллерлардир.* «Фан ва турмуш».

ПРОПИСКА [*р.* прописать – «қайд қилмоқ, рўйхатдан ўтказмоқ» фл. дан ясалган от] Кимсанинг маълум манзилда яшаб турганлигини уй дафтарига расмий суратда қайд қилиш ва шу ҳақда паспортга қўйилган белги. *Прописка штампи. Тошкентда прописка билан яшамоқ. Прописка қилмоқ. Пропискадан ўтмоқ.* ▬ *-Афсуски, меҳмонни прописка қилишимиз керак эди-да, – деб Рафиқ соатига қаради, бошини чайқади.* Ў. Усмонов, Қисмат.

ПРОПОЛИС [*юн.* propolis < pro – олдида + polis – шаҳар] Асаларилар ажратадиган елимсимон, смолали хушбўй модда (тиббиёт ва фармацевтикада қўлланади).

ПРОПОРЦИОНАЛ [*лот.* proportionalis – мос, мутаносиб; тенг] **1** *мат.* Миқдорлардан

бири қанча ошса ёки камайса, бошқаси ҳам шунча ўзгарадиган; мутаносиб. *Тўғри пропорционал миқдорлар. Тескари пропорционал миқдорлар.*

2 Қисмлари, ўлчамлари ўзаро маълум нисбатда бўлган; бўйи энига мос; мутаносиб, уйғун; келишган. *Пропорционал қомат. Пропорционал тақсимламоқ.* ▬ *Ижтимоий тараққиёт қонуниятини беш бармоқдай билиш керак.. энг зарури – халқ хўжалигимизни планли пропорционал ривожлантиришнинг объектив қонунлари билан қуроллантириш керак.* С. Анорбоев, Оқсой.

ПРОПОРЦИОНАЛЛИК 1 *мат.* Функционал боғланишнинг энг содда кўриниши; пропорционал эканлик (*қ.* **пропорционал 1**). *Миқдорларнинг пропорционаллиги.*

2 Тўғри пропорцияларга эга бўлишлик, мутаносиблик, мувофиқлик.

ПРОПОРЦИЯ [*лот.* proportio – мослик, мутаносиблик] **1** *мат.* Икки нисбатнинг тенглиги. *Арифметик пропорция. Геометрик пропорция.*

2 Бутуннинг қисмлари ўртасидаги муайян ўзаро нисбат, мутаносиблик; умуман, нарсалар ўртасидаги миқдорий муносабат. *Бу концентрат маъданли сувга маълум пропорцияда қўшилиб, ичимлик ҳолига келтирилади.* Газетадан.

ПРОПУСК(А) *қ.* **рухсатнома.** *Залга пропуска билан киргизмоқ.*

ПРОРАБ [*р.* производитель работ – «иш бошқарувчи, ишбоши» бирикмасининг қисқартмаси] Қурилишда ишни ташкил қилувчи ва қурувчиларга бевосита раҳбарлик қилувчи техник ёки инженер; ишбоши. *Прораб «халақит берасан», деб неча марта мени девордан қувиб туширар, мен эса яна тирмашиб чиқавераrдим.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Прораблар, техниклар ва участка бошлиқларининг гапларига қараганда, яна икки кундан кейин иш бутунлай тугайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПРОРЕКТОР [*лот.* pro – ўрнига + ректор] Олий ўқув юртларида: ректорнинг маълум соҳа бўйича ўринбосари. *Илмий ишлар бўйича проректор. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор.* ▬ *-Хушхабар бўлганда қандоқ, – деди проректор қувонч билан, – Обид Йўлдошевичнинг гипотезаси тўғри чиқди. Бекилиб қолган қадимги бир кон шу гипотеза асосида очилди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ПРОСПЕКТ I [*лот.* prospectus – кўриниш, манзара] Шаҳарларда кенг, катта ва тўғри кўча. *Проспект ёқасида ажойиб муҳташам тураржой бинолари қад кўтармоқда.* Газетадан.

ПРОСПЕКТ II [*лот.* prospectus – кўриниш, манзара] **1** Нашрга тайёрланаётган ёки ёзилаётган асарнинг қисқача баёни ёки кенг ва мукаммал режаси. *Адабиёт дарслигининг проспекти. Журнал проспекти.*

2 Реклама характеридаги босма маълумотнома ёки ишлаб чиқариш ва сотишга мўлжалланган нарсалар рўйхатидан иборат савдо каталоги.

ПРОТАКТИНИЙ [*юн.* protos – биринчи + актиний] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент; кумушранг-оқ, ялтироқ, болғаланувчан металл.

ПРОТЕЗ [*юн.* prothesis – қўшиш, бириктириш, илаштириш] Организмнинг бирор аъзоси шаклида тайёрланган ёки зарарланган, олиб ташланган аъзоси ўрнига қўйиладиган мослама (мас., сунъий қўл, сунъий оёқ, сунъий тиш). *Сиз ойимнинг агентисиз. Доим бизнинг устимиздан материал берасиз. Ойимга протез тиш қилдириб бериб, пинжларига кириб олгансиз.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПРОТЕЗА [*юн.* prothesis – олдиндан жойлаш] *тлш.* Талаффузни қулайлаштириш учун сўзнинг энг бошида товуш орттирилиши (*истол, иштраф каби*).

ПРОТЕЗЛАШ Гавданинг майиб бўлган аъзолари ёки қисмлари шакли ва вазифаларини тиклашга қаратилган тиббий-техник тадбирлар тизими ва уларни ўрганувчи соҳа.

ПРОТЕКТОРАТ [*лот.* protector – ҳомий] *сиёс.* **1** Тенгликка асосланмаган шартнома натижасида белгиланадиган, асосан мустамлакачилик руҳидаги қарамлик шакли.

2 Шундай қарамлик ҳолатида бўлган мамлакат. *Россия Афғонистонга таъсир ўтказиш юзасидан бўлган ҳамма даъволаридан воз кечди ва Англиянинг Афғонистон устидан протекторатини амалда тан олди.* «Янги тарих».

ПРОТЕКЦИОНИЗМ [*фр.* protectionnisme < *лот.* protectio – ёпиш, беркитиш; ҳимоя қилиш] Давлатнинг ўз миллий иқтисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоя қи-

лишга қаратилган иқтисодий сиёсати (мас., импорт молларга юқори пошлиналар жорий қилиш, уларнинг олиб кирилишини чеклаш ёки умуман тақиқлаш ва б.). *Пировард натижада протекционизм ва субсидияларга қарамай, заводлар ёпилиб, ходимлар иш жойларини йўқотадилар.* «Ҳаёт ва қонун».

ПРОТЕСТ [*лот.* protestari – қатъий норозилик, баёнот эълон қилмоқ] *ҳуқ.* Тегишли суд ва прокуратура органларининг суд ҳукмлари ва қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги расмий ёзма баёноти, илтимосномаси. *Ушбу қарор, ҳукумат топшириғига зид бўлганлиги сабабли, вилоят прокуратурасининг протести билан бекор қилинди.* Газетадан. *Олий суд протестни қаноатлантиради.* Газетадан.

ПРОТЕСТАНТИЗМ [*лот.* protestans, protestantis – қаршилик билдирувчи, норози] Христианликдаги асосий оқимлардан бири: 16-асрда Рим католик черковига норозилик тарзида пайдо бўлган ва асосан АҚШ, Англия, Канада ҳамда Скандинавия ва Болтиқбўйи мамлакатларида тарқалган.

ПРОТИВОГАЗ [*р.* против – қарши + газ] Заҳарловчи модда, газ, тутун кабилардан нафас олиш аъзоларини, юзу кўзни асрайдиган фильтрли ниқоб. *Оксиген (кислород) тўлдирилган пўлат баллонли противогаз.* ▬ *У ерда бир тўп противогаз таққан йигитлар ҳарбий машқ учун сафланмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ПРОТО- [*юн.* protos – биринчи] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) дастлабки, илк, биринчи маъноларини; 2) черков амаллари ва унвонларида катталик, юқориликни билдиради (мас., *прототип, протоиерей* каби).

ПРОТОИЕРЕЙ [прото.. + *юн.* hiereus – руҳоний] Православ черковида катта руҳоний.

ПРОТОКОЛ [*юн.* protokollon – биринчи варақ (ёзилиш санаси ва котибнинг исми кўрсатилган ҳолда ўрама папирус хатга ёпиштирилган) < прото.. + *юн.* kollao – ёпиштираман, елимлайман] *эск.* **1** *қ.* **баённома 2.** *Мажлис протоколи* ▬ *Сергей кабинетда ёлғиз қолиб, кейинги кунлардаги сўроқ протоколларини шошмасдан, бирма-бир варақлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Эшонбоев деканнинг бетараф қолиш сабабини протоколга яхшилаб ёзиб қўйди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Мансабдор шахс томонидан тузилган ва бирор воқеа-ҳодиса ёки ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат. *Экспертларнинг протоколи.* ▬ *Маҳаллий терговчининг «тергов протоколи» билан ҳарбий суд прокурорининг айблаш қоғози топширилган вақтида, у бошқа катта ишни олиш тўғрисида ўзига ўхшаган бир киши билан гаплашиб ўтирган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 Жамоат тартиби ва қонунчиликни бузганлик ҳақида тузилган далолатнома. *Автоинспекция протоколи.*

4 Халқаро конференцияларнинг халқаро шартнома, битим кучига эга бўлган қарори. *Савдо муносабатлари ҳақидаги протокол.* ▬ *Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясида иқтисодий таълимни ташкил этиш тўғрисида протокол ҳамда бошқа ҳужжатлар ва битимлар имзоланди.* Газетадан.

5 *дип.* Турли дипломатик ҳужжатларни амалга ошириш тартибини бошқариб турувчи қоидалар мажмуи.

ПРОТОН [*юн.* protos – биринчи] *физ.* Атом ядросининг мусбат электр зарядига эга бўлган таркибий қисми – барқарор элементар зарра; енгил водороднинг ядроси.

ПРОТОПЛАЗМА [прото.. + *юн.* plasma – шаклланган, безатилган] *биол.* Жонивор ва ўсимликлардаги тирик ҳужайранинг цитоплазма ва ядродан иборат таркибий қисми. *Тирик протоплазма ўз атрофидаги нотирик муҳитдан ҳужайра мембранаси билан ажратилади.* «Фан ва турмуш».

ПРОТОТИП [*юн.* prototypos – дастлабки аломат, белги, образ] *ад.* Бадиий образ яратишда ёзувчига манба, намуна бўлган реал шахс. *Шуниси диққатга сазоворки, томошабинлар асарни яхши тушунишлари учун ҳар бир картина олдида жонли прототиплар турарди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПРОФЕССИОНАЛ [*лот.* professio – расмий белгиланган касб] **1** Бирор касбга оид, хос, бирор касб билан боғлиқ бўлган. *Профессионал одат. Профессионал маҳорат. Профессионал тайёргарлик.* ▬ *Энг ёмони – жойларда бозор иқтисодиёти тамойилларини яхши билмаслик ва профессионал малакага эга эмаслик каби салбий ҳолатлар кўпроқ намоён бўлмоқда.* Газетадан.

2 Бирор ишни ўзига касб қилиб олган, ўз касбининг мутахассиси бўлган (шахс).

Профессионал боксчи. Профессионал ашулачи. ▬ *..профессионал журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқиш зарур.* Газетадан. *Лекин ўша йилдан эътиборан мусобақага профессионал теннисчилар ҳам қўйилган.* Газетадан.

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ [*лот.* professio – касб-кор, мутахассислик] **1** *тлш.* Бирор касб-ҳунар соҳаси вакиллари нутқига хос сўз ёки ибора.

2 Бирор касб-ҳунар, мутахассисликни юқори даражада ўзлаштириш; юксак маҳорат. *Чин истеъдод ва юксак маҳорат сари етакловчи профессионализм унинг ижод шиоридир.* Газетадан.

ПРОФЕССОР [*лот.* professor – муаллим, ўқитувчи; мураббий] Олий ўқув юртларидаги энг малакали ўқитувчиларнинг, шунингдек, илмий-тадқиқот институтларидаги илмий ходимларнинг илмий унвони ва лавозими; шундай унвон ва лавозимли шахс. *Университет профессори.* ▬ *Профессорнинг қаршисига келганда эсанкираб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Профессорнинг гапидан хурсанд бўлиб ўтирганларида, одатдагидек шовқин-сурон, ҳазил-ҳузул билан оғайнилари Шаҳобни кўргани келиб қолишди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ПРОФИЛАКТИК Профилактикага оид; касаллик ёки бирор бошқа ҳодисанинг олдини олиш учун хизмат қиладиган. *Профилактик эмлаш. Профилактик тадбирлар. Боғларга профилактик ишлов бериш.* ▬ *Бу эса, аввало, касалланишнинг олдини олишга доир тизим муассасаларида профилактик ишларнинг суст йўлга қўйилганлиги оқибатидир.* Газетадан. *Солиқчилар фаолиятида профилактик тадбирлар ҳам катта ўрин тутмоқда.* Газетадан.

ПРОФИЛАКТИКА [*юн.* prophilaktikos – сақловчи, олдини олувчи] **1** Одамлар соғлигини сақлаш, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш, аҳолининг жисмоний ривожланишини яхшилаш ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. *[Шербек:] Сиз касал кўргани, профилактика ўтказгани хонадонларга кўп кирасиз.* С. Анорбоев, Оқсой. *«Дори-дармон» уюшмаси келгусида ҳам республика аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлаш аҳволини яхшилаш учун ўзининг барча имкониятларини ишга солади, деб ишонтирамиз.* Газетадан.

2 Умуман, бирор ҳодисанинг олдини олиш, механизм, машиналарнинг муддатидан олдин ишдан чиқиши, бузилишидан сақлаш учун кўриладиган чоралар. *Ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши профилактика.* ▬ *Газдан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган истеъмолчилар орасида профилактика ишлари олиб боряпти.* Газетадан.

ПРОФИЛАКТОРИЙ [«профилактика» с. дан] Йирик ўқув юртлари ва саноат корхоналари қошида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда дам олиб даволанишни амалга оширувчи даволаш-профилактика муассасаси. *«Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти профилакторийсида йил бошидан бери 993 киши соғломлаштирилди.* Газетадан.

ПРОФИЛЬ [*фр.* profil < *итал.* profilo – ташқи кўриниш, қиёфа < filo – чизиқ, йўл] **1** Юз ёки бирор нарсанинг ён томондан кўриниши. *Ҳайкалнинг профили.*

2 Бирор нарса ёки сатҳнинг, мас., деталь, қурилма, ер бўлаги ва ш.к. нинг тиккасига кесилгандаги кўриниши. *Йўлнинг профили. Бинонинг профили.*

3 Хўжаликнинг, бирор касб соҳаси, корхона, ўқув юрти ва ш.к. нинг асосий ўзига хос белгилари мажмуи; касб ёки соҳанинг асосий йўналиши. *Журналларнинг профили. Жамоанинг асосий профили – пахтачилик.*

ПРОЦЕНТ [*нем.* Prozent < *лот.* pro centum – юз ҳисобидан, юз ҳисобига; юз(та)ликка] **1** Бирор сон ёки миқдорнинг юздан бир ҳиссаси, улуши; % белгиси билан ифодаланади (*яна қ.* **фоиз**). *Планнинг бир проценти.* ▬ *Ўнинчи октябрда йиллик пахта шартномамизнинг саксон процентини бериб битирамиз.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кўпи билан бир ой ичида биронта ҳам якка хўжалик қолмаслиги, ҳамма юз процент колхоз бўлиши керак [деди Шодиев].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қарзга олинган пулдан фойдаланганлик учун қарздор томонидан пул эгасига тўлаб туриладиган ҳақ, фойда. *[Фазлиддин:] ..кеча Абдулла акам йигитчани тутиб, ота қарзини уз, деб маҳкамроқ ушлабди. Кейин ҳисоблаб қарашса, йигитчанинг гарданига*

процент билан роса саккиз юз сўм пул тушибди. Ойбек, Танланган асарлар.

ПРОЦЕНТЛИ 1 *мат.* Процентга оид; процент билан ифодаланадиган. *Сонларнинг процентли нисбати.*

2 Маълум процент ҳисобида фойда келтирадиган. *Уч процентли заём.*

3 Таркибидаги асосий модда миқдори процент билан ифодаланган. *Уч процентли сирка. Қирқ процентли ўғит.*

ПРОЦЕНТЧИ 1 *с.т.* Ишни ошиғи билан бажариб, маълум процентга етказувчи ишчи. *Бизда икки юз процентчилар сон-саноқсиз.*

2 *салб.* Белгили фоиз ҳисобида фойда олиш шарти билан қарз берувчи; судхўр.

ПРОЦЕСС [*лот* processus – илгарилаш, илгари силжиш] **1** *қ.* **жараён**. *Тафаккур процесси. Ўсимликнинг ривожланиш процесси.* ▬ *Зеро, янги-янги илмий кашфиётлар, илмий-мантиқий тафаккур процесслари ёлғиз улкан меҳнат мевасигина бўлиб қолмай, балки шиддатли илҳом ва эҳтирос, эмоционал кечинмалар маҳсули ҳамдир.* «ЎТА».

2 Маълум натижа, мақсадга эришиш учун изчиллик билан амалга ошириладиган иш ёки ҳаракатлар мажмуи. *Технологик процесс. Ишлаб чиқариш процесси. Ўқув-тарбия процесси.*

3 Суд иши; тергов, маъмурий ва суд органлари фаолиятини амалга ошириш тартиби. *Жиноий процесс. Намунали процесс. Процессда қатнашмоқ.* ▬ *Суд процессини тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш айниқса муҳимдир.* Газетадан.

ПРОЦЕССОР [*лот.* processus – сурилиш] Рақамли ҳисоблаш машинасининг дастур (программа)да кўзда тутилган арифметик ва мантиқий амалларни; ахборотларни ўзгартириш, барча ҳисоблаш жараёнларини ва ш.к. ни бошқариб туриш учун мўлжалланган марказий қурилмаси. *Компьютернинг процессори.*

ПРОЦЕССУАЛ [«процесс» с. дан] Суд ёки маъмурий жараёнларга оид; суд жараёни билан боғлиқ бўлган, судда ишнинг кўрилиш тартибини белгиловчи. *Процессуал муддат. Процессуал кодекс.* ▬ *Чунки унда амалдаги процессуал кодексда кўрсатилиши лозим бўлган бир қанча моддалар мавжуд.* Газетадан.

ПРУЖИНА [*р.* пружина – камбар эластик металл тахта ёки чизимча] Машина, механизм ва ш.к. нинг пўлат тасма ёки симдан спиралсимон ўралган ёки устма-уст терилган, муайян куч таъсирида қисилгандан кейин яна асл ҳолига қайтадиган, турткиларни юмшатадиган қайишқоқ қисми, детали. *Соат пружинаси. Эшик пружинаси. Патефон пружинаси.* ▬ *Ичкарида, Самандарнинг олдида яна икки киши ўтирган экан. Сафаров булар билан ҳам саломлашди-да, титилиб, пружиналари кўриниб ётган диванга ўтириб, папирос чекди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ПРУЖИНАЛИ Пружинаси бўлган, пружина воситасида ҳаракат қиладиган, ишлайдиган. *Пружинали каравот. Пружинали ўйинчоқ.* ▬ *Эшик қаршисидаги девор олдида устига майда ёстиқлар ташлаб қўйилган пружинали диван, унинг икки ёнида китоб жавонлари бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ПРЯНИК [*р.* пряный – ўткир ва хушбўй мазали, ҳидли < *юн.* peperi – қалампир] Хамирга ўсимлик ёғи, асал, шакар, қиём қўшиб тайёрланган яримшарсимон қандолат маҳсулоти, ширинкулча (дастлабки вақтларда унга зираворлар, жумладан, хушбўй қалампир қўшилган).

ПСИХИАТР Руҳий касалликлар врачи, мутахассиси. *-Уни [Ботировни] хирург эмас, психиатр даволаши керак, – деди Раҳимов Николаевга.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Қизалоқнинг ой сайёраси ҳақидаги ғалати ҳикояларини эшитгач, ота-онаси уни психиатр қабулига етаклаб боради.* Газетадан.

ПСИХИАТРИК Психиатрга, психиатрияга, руҳий касалликларга оид. *Психиатрик клиника.*

ПСИХИАТРИЯ [психо.. + iatreia – даволаш] Тиббиётнинг руҳий (психик) касалликларни, уларни даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганувчи бўлими.

ПСИХИК Психикага, руҳий ҳолатга оид; руҳий. *Психик касалликлар.*

ПСИХИКА [*юн.* psychikos – руҳий] Юксак даражада ташкил топган миянинг объектив воқеликни сезги, идрок, тасаввур, фикрлаш, ҳис-туйғу ва иродавий хатти-ҳаракатлар тарзида акс эттириш хусусияти; инсон ва ҳайвонлар хатти-ҳаракатининг ўзига хослигини белгилайди; инсон онги психиканинг олий шакли ҳисобланади. *Соғлом психика. Боланинг психикаси. Киши психикасини ўрганмоқ*

ПСИХО- [*юн.* psyche – руҳ, жон; қалб, кўнгил] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми: психикага, руҳиятга алоқадорликни билдиради (мас., *психоанализ, психология, психотерапия*)

ПСИХОАНАЛИЗ [психо.. + анализ] Руҳий (психик) касалликларни даволаш усули ва 19-аср охири – 20-аср бошларида австриялик олим З. Фрейд томонидан ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган психологик таълимот.

ПСИХОЗ [*юн.* psyche – руҳ, жон] Киши онгининг борлиқни акс эттириш фаолиятининг кучли даражада бузилиши билан кечадиган руҳий касалликларнинг умумий номи.

ПСИХОЛИНГВИСТИКА [психо(логия) + лингвистика] Нутқий ифодаларнинг пайдо бўлишини ҳамда нутқнинг тил тизими билан ўзаро муносабатда ўзлаштирилиши (идрок этилиши) қонуниятларини ўрганувчи фан.

ПСИХОЛОГ **1** Психология бўйича олим-мутахассис (врач ёки ўқитувчи). *Ҳозирги кунда психологик касбга йўналтирувчи тиббий ходим, дефектолог, психолог каби мутахассислар ушбу тизимда хизмат қилмоқда.* «Мактаб ва ҳаёт».

2 *кўчма* Кишининг руҳиятини яхши биладиган, шунга қараб муомала қиладиган сезгир одам. *[Фармонов:] ..бу кампир ё ўзгаларнинг фикрини ўқий олади, ё менга ўхшаган лақмаларни кўравериб, ўткир психолог бўлиб кетган.* «Муштум».

ПСИХОЛОГИЗМ [«психология» с. дан] Адабиёт ва санъатда инсоннинг психик, руҳий кечинмаларини теран тасвирлаш.

ПСИХОЛОГИК Психологияга оид, руҳий ҳолат ва кечинмаларни теран тасвирлашга асосланган. *Психологик анализ. Психологик тадқиқот. Психологик роман. Психологик драма.* ▬ *Ойқизнинг психологик ҳолати роман марказида турган муҳим тугунни, унинг ечими учун Ойқиз типидаги, балки ундан ҳам юқорироқ бошқа бир кучли тажрибакор шахс иштирокини талаб қиларди.* «ЎТА».

ПСИХОЛОГИЯ [психо.. + *юн.* logos – фан, таълимот] **1** Инсон фаолияти ва ҳайвонлар хатти-ҳаракатида борлиқнинг акс этишини, руҳий жараёнлар, ҳодисалар ва хислатларни ўрганувчи фан. *Элмурод институтда психологиядан лекция тинглар экан, профессор Иванов: «Киши характерини белгиловчи омиллардан бири унинг нутқи», – деган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бўлғуси педагоглар практика жараёнида педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари устида иш олиб борадилар.* «Фан ва турмуш».

2 Бирор фаолият билан боғлиқ бўлган психик жараёнлар мажмуи. *Меҳнат психологияси. Санъат психологияси.* ▬ *Рангларга муносабатда ҳам халқ психологияси намоён бўлади.* «ЎТА». *Ижод психологияси фақат китобхонларни эмас, адабиётшуносларни ҳам қизиқтиряпти.* У. Норматов, Талант тарбияси.

3 Кишининг ички дунёси, кечинмалари, характер хусусиятлари, руҳий ҳолати. *Отахон шоирларимиз болалар қалби ва психологиясини, маънавиятини очиш орқали уларнинг бетакрор шахсиятини улуғладилар.* «Фан ва турмуш». *Ҳаётнинг ўзи ана шу дунёқарашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур қилмоқда.* Газетадан.

ПСИХОПАТИЯ [психо.. + *юн.* pathos – ғам-алам, азобланиш, касаллик] Шахснинг, ақл-идроки сақланиб қолгани ҳолда, феъл-атвори, ҳиссиёти, хулқининг чуқур ва доимий бузилишидан иборат ирсий, туғма ёки ҳаётда орттирилган норасолиги.

ПСИХОПАТОЛОГИЯ [психо.. + патология] Психиатриянинг руҳий касалликлар, патологик жараёнлар ва ҳолатларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш механизми, пайдо бўлиш сабабларини ўрганувчи, уларни таснифлаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

ПСИХОТЕРАПИЯ [психо.. + терапия] Руҳий таъсир қилиш (мас., гипноз) йўли билан даволаш усули. *Шу боис шифохонада психотерапия кабинетини ташкил этамиз. Ҳозир у ерда сўз сеҳри билан даволаш сеанслари ўтказилмоқда.* Газетадан.

ПСИХОТРОП [психо.. + *юн.* tropos – бурилиш, буриш, йўналтириш]: **психотроп воситалар** Инсоннинг руҳий ҳолатига, умуман психик жараёнларга кучли таъсир этувчи дори моддалар. *Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасида гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғ-*

рисидаги меморандум имзоланди. Газетадан. *Президентлар наркотик моддалар, психотроп воситаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашдаги ҳамкорлик концепциясини тасдиқлашди.* Газетадан.

ПСОРИАЗ [*юн.* psoriasis < psora – қичима] Қипиқли темиратки – юқмайдиган сурункали, вақти-вақти билан кучайиб, зўрайиб турадиган тери касаллиги.

ПУБЛИЦИСТ Долзарб, мунозарали ижтимоий-сиёсий мавзуларда асар ёзувчи адиб. *Публицист ёзувчи.* ▬ *У адабиёт ва санъат оламининг зукко билимдони, оташин публицист, ажойиб нотиқ ва улкан санъаткор эди.* Газетадан. *Санжар Сиддиқов ижоди ҳақида шу фикрни айтиш мумкин: у тарихчи, публицист, таржимон, тақризчи, санъатшунос, педагог эди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ПУБЛИЦИСТИК Публицистикага ёки публицистга оид. *Публицистик асар.* ▬ *Унинг овози публицистик руҳни, гоҳ лирик, гоҳ бахтиёрлик туйғусини ифода этади.* Газетадан.

ПУБЛИЦИСТИКА [*лот.* publicus – жамиятга, жамоатчиликка оид, ижтимоий] **1** Давр (замона)нинг долзарб ижтимоий-сиёсий масалалари ҳамда жамиятнинг кундалик ҳаётига бағишланган адабиёт тури. *Публицистика сиёсий курашнинг ўткир қуролидир.*

2 Шу жанрга хос асар ёки асарлар (мақола, очерк, памфлет, фельетон ва ш.к.) мажмуи. *А. Қаҳҳор публицистикаси.*

ПУД [*р.* пуд – 16,38 кг га тенг оғирлик ўлчов бирлиги < *лот.* pondus – оғирлик, ўлчов] *эск.* Метрик ўлчовлар тизими қабул қилинганига қадар қўлланган, 16,38 килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. *Бир тонна – салкам 63 пуд.* ▬ *[Кампир:] Дастмоям бир пуд ун эди, тунов кун бирдан йигирма беш қадоққа тушиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биринчи йил гектаридан юз пуд олдик, Эру хотин меҳнат ҳақин қопга солдик.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *..бир ярим пуд гўштнинг аъзолар ризоликлари билан бир пудини Мулла Обидга ва ярим пудини Мардонбойга орттириб берадилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПУДЛИ 1 Пуд оғирлигидаги. *Икки пудли тош.* ▬ *[Бобом:] Молхонага киринг, ярим пудли кетмон турибди. Ана ўшани минингда, далага чиқиб, айриплон қилиб учинг, хўпми? Давлатимизнинг сиздан бошқа учувчиларим бор.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Маълум пуд юк элтадиган, кўтарадиган. *Хўжабеков, куни билан елкасидан беш пудли қоп тушмаган юкчидай, эшикнинг кесакисига суянди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ПУДРАТ [*р.* подрядить – «вақтинчалик ишга юбормоқ, бирор нарсани олмоқ, топмоқ» фл. дан] Бир томон иккинчи томон буюртмаси асосида маълум бир ишни тўлиғича (батамом) бажариб бериш мажбуриятини олганлиги ҳақидаги шартнома ва шу асосда бажариладиган ишнинг ўзи. *Пудратни ўз вақтида бажармоқ. Ишни пудратга олмоқ. Бинони пудратга олган қурилиш ташкилоти.* ▬ *Ҳамма юракдан меҳнат қилади – менга оилавий пудратнинг шуниси маъқул.* «Саодат». *Қурилишдаги пудрат ишлари ҳажми 13 фоизга кўпайди.* Газетадан.

ПУДРАТЧИ [*р.* подрядчик] Пудрат асосида ишлайдиган киши ёки ташкилот. *Асосий пудратчи. Пудратчи ташкилотлар.* ▬ *Пудратчи бракка йўл қўйган экан, буюртмачи қаёққа қаради, дерсиз.* «Муштум». *Корхонамиз аксарият қурилишларда бош пудратчи сифатида иштирок этади.* Газетадан. *Пудратчилар бу йил ҳар гектар майдондан камида 70 центнердан хирмон кўтариш ниятидалар.* Газетадан.

ПУК(КА) Ошиқнинг чиккага қарама-қарши, дўмбоқ томони. *Тавва пуккани ейди; олчи чиккани ейди дегандек, бой берсангиз нима, сиз ҳам ютиб юргансиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ошиғим пукка тушса ҳам розиман, деб турган эдим, бирдан олчи бўлиб кетди.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. [*Мулладўст:*] *Қўйинг, ўша қози домлангизга ҳам отган ошиқнинг ҳаммаси пуккасига тушди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПУЛ I [*ф.* پول – пул, ақча; балиқ тангаси] **1** Олди-сотди ёки тўлов муомалаларида нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган металл ёки қоғоз белги; ақча. *Қоғоз пул. Танга пул. Нақд пул. Пул майдаламоқ. Пул бўлса, чангалда шўрва.* Мақол. *Пули куйган қалампир чайнар.* Мақол. ▬ *Сидиқжон.. кечки пайт кўчага чиқмоқчи бўлган эди, Анзират хола, унинг пули йўқлигини билгандай, соч олдиргани пул берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йўлкирага пулимиз, пиёда қайтишга иложимиз бўлмаганидан қолиб кетдик.*

М. Исмоилий, Фарғона т.о. *[Санавбар Хайринисога:] Сизга ҳам гапираман, пул учун имони ва қизини сотадиган отамга ҳам гапираверaман.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

Пул бўлмоқ Пулга алмашинмоқ, сотилмоқ. *Нарса сотсанг, пул бўлади, Эрта-индин кул бўлади.* Мақол. **Пул қилмоқ** 1) пул ҳисобига бермоқ, сотмоқ, пулламоқ. *Уйни безашдан бошқа нарсага ярамайдиган асбобларни йиғиштирдим, барини сотиб пул қилдим.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ишлаб ёки бошқа йўл билан пулни қўлга киритмоқ, пул тўпламоқ. **Пул(нинг) қадрсизланиши** *қ.* **инфляция.** *Пулнинг қадрсизланиши суръатлари мунтазам равишда ва изчиллик билан пасайиб бормоқда.* Газетадан.

2 Сармоя, маблағ. *Қурилишга пул ажратмоқ.* ▬ *Пул-чи? Пул ҳам туғади. Жуда кўп туғади, тез туғади, айниқса, бу замонда пул сертухум бўлиб кетган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса, бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ.* Газетадан.

3 *с.т.* Иш ҳақи; маош. *Қоровул пули. Бугун пул оладиган кунимиз.*

4 *эск.* Баъзи ерларда ярим тийинга, баъзи ерларда бир тийинга тенг бўлган пул ўлчов бирлиги ва шу қийматдаги майда пулнинг ўзи. *Нарх билиб келган болага йигирма пул бериб, орқаси куймаганини олиш шарти билан нонга юборди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Йиқитган болаларга икки пулдан соврин бериб томоша қилиб ётган икки бойнинг бири шу — Ниёзмат ҳожи бўлиб, ҳаждан янги келган йиллари эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Бир (*ёки* **икки, уч**) **пул** 1) бир ёки икки, уч тийин. *Бир пул бериб йиғлатдим, минг пул бериб тиндирдим.* Мақол; 2) ҳеч нарсага арзимайдиган, аҳамиятсиз, бир тийинга ҳам қиммат. *Бу гаплар унга бир пул. Ҳамма унга бир пул.* ▬ *Жўрабоев Юсуфийнинг далилларини бир пул қиладиган мақола ёзибди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Турди ғилай олти йиллик тоат-ибодатини бир пул қилди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

5 Афғонистоннинг асосий пул бирлиги — афғонийнинг юздан бир улушига тенг майда пул, танга.

Пулга чақмоқ *қ.* **чақмоқ** I. **Пулни пул билан ўйнамоқ** *дағл.* Меҳнат қилмай осонлик билан пул топиб, бебилиска сарф қилмоқ, унча-мунча пулни назарга олмаслик. **Пулининг сассиғига ётолмайди** *с.т.* Жуда бой, пулдор одам ҳақида айтиладиган ибора.

ПУЛ II [*ф.* پل — кўприк] *эск. кт. айн.* **кўприк.**

Пули сирот *қ.* **сирот**.

ПУЛДОР [*ф.* پولدار — пулга эга бўлган, пулли] Кўп пулга эга бўлган, пули кўп. *Пулдор одам — қанотли одам, бу қанот билан мағрибдан машриққача учасан, ҳар ерда ошна-оғайни, дўст-ёр топасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қарздор бўлишдан пулдор бўлиш яхшироқ.* Газетадан. *Пулдорлар ҳар бир нарсани ўз вақтида ғамлаб, арзонга туширишади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПУЛЕМЁТ [*р.* пуля — ўқ ва метать — отмоқ] Ўқни тез отадиган автоматик қурол. *Қўл пулемёти. Лентали пулемёт.* ▬ *Бу орада халқ оқими Ўрда томонга йўл олди. Аллақаерда пулемёт тариллади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тепаликнинг этагида писиб ётган немис пулемёти пиёда аскарларимизни ёнбошдан ўққа тута бошлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ПУЛЕМЁТЧИ Пулемёт отувчи, пулемёт билан қуролланган аскар. *Пулемётчилар взводи.* ▬ *Узоқда машҳур пулемётчи Абдуллаев, унинг орқасидан Асқар полвон пулемётни судраб борарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ПУЛЛАМОҚ *с.т.* Нарсани пул эвазига бермоқ, сотмоқ. *Маҳсини уч кун ҳайитда кийиб, сақлаб қўйгандим, ана уни пуллаб, тагчарм оламиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Хўжайин, — деди, — аввало Деҳқонбой бўйинтоблик қилди, бизлар ҳам бўш келмай, ҳукм чиқариб, ҳовлисини пулладик.* У Исмоилов, Сайланма.

ПУЛЛИ 1 Пули бўлган, пули бор. *Пулли — ботир, пулсиз — ётир.* Мақол.

2 Пул тўланадиган, пул эвазига олинадиган, бериладиган ёки қилинадиган. *Пулли концерт. Пулли маъруза.* ▬ *Қизил Ярим ой жамияти томонидан ташкил қилинган пулли поликлиникага директор қилиб тайинлашни сўради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Пулли хизматларни бир ярим баравар кўпайтириш режалаштирилди.* Газетадан. *«Олий бизнес мактаби»да ўқиш пулли-контракт асосида бўлиб, «Бошқарув бизнес магистри» дастури бўйича халқаро талаб-*

лар ва халқаро программа асосида олиб борилади. Газетадан.

3 (*фақат миқдор ифодаловчи сонлар билан*) Пул, тийин қийматидаги. *Тўққиз пулли носвой. Уч пулли аҳамияти йўқ нарса.* ▬ *Олти пулли тақадек. Кўзи ирғиб бақадек, Оч мухлиснинг қўлида Ўтмай қолган чақадек Шайх ҳазратларига салом.* Ҳамза.

ПУЛПАРАСТ [*ф.* پولپرست – пулни севувчи, пулга сиғинувчи] Пулга ўч, пул тўплаш пайига тушган. *Пулпараст одам.* ▬ *Ўғил отасига ўхшаган хасис, пулпараст, судхўр эмас. Бироқ виждонсизлик, хасислик ва шафқатсизликда отасидан сира қолишмайди.* М. Қодиров, Бой ва судхўрнинг фош этилиши.

ПУЛСИЗ 1 Пули бўлмаган, пули йўқ. *Пулдор одам Москвага, Варшавагача боради. Пулсиз одам ўз жойидан бир қадам силжисинчи!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Пул тўланмайдиган, текин, бепул. *Пулсиз лекция. Пулсиз тарқатилган брошюра.*

ПУЛСИЗЛИК Пулга эга бўлмаслик, пули йўқлик. *Саидий бир сўм ишласа, оила ўн сўм талаб қилади. Саидий ўн сўм ишласа, оила пулсизликдан қон-қора қақшайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ПУЛСИРОТ *с.т. айн.* **пули сирот** *қ.* **сирот.** *Дўзах узра, ўт узра, ҳайҳот, Кўприк шуми.. яъни пулсирот?* М. Али, Боқий дунё.

ПУЛЬВЕРИЗАТОР [*фр.* pulverisateur < *лот.* pulvis, pulveris – чанг, кукун] Суюқликларни пуркайдиган ёки кукун моддаларни чангитиб, тўзғитиб сепадиган асбоб; пуркагич. *Дарахтларга дори сепадиган пульверизатор. Пульверизатор билан бўёқ бермоқ.*

ПУЛЬМОНОЛОГИЯ [*лот.* pulmo, pulmonis – ўпка + *юн.* logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг ўпка, бронхлар ва плевранинг тузилиши, иш фаолияти ҳамда касалликларини ўрганувчи, ушбу касалликлар профилактикаси ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

ПУЛЬПА [*лот.* pulpa – эт, гўшт; юмшоқ нарса] Тишни қон билан таъминлайдиган қон томирлари, лимфа томирлари ва нерв толаларидан ташкил топган юмшоқ тўқима.

ПУЛЬПИТ [пульпа + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] Тиш бўшлиғини тўлдириб турадиган ғовак бириктирувчи тўқима – пульпанинг яллиғланиши.

ПУЛЬС [*лот.* pulsus – туртки, зарба] *тиб.* Юракнинг қисқариши натижасида ундан келаётган қон оқими таъсири билан қон томири деворчаларининг ритмик силкиниши, тепиши, уриши, шунингдек, баданнинг томир тепкиси сезиладиган жойи. *Пульс – саксон. Беморнинг пульсини кўрмоқ. Пульсни ўлчамоқ.*

ПУЛЬТ [*нем.* Pult < *лот.* pulpitum – тахтасупа, кафедра] **1** Ноталар қўйиш учун ишлатиладиган, бир томонга нишаб, узун оёқли столча. *Дирижёр пульти.* ▬ *Кийинишидан олақарғани эслатувчи, сочи жингалак, чиройли бир йигит дирижёрлик пультига чиқиб, қўлидаги таёқчасини қимирлатувдиямки, залда оркестр садолари янгради.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 *тех.* Бирор нарсани автоматик бошқарадиган асбоб, аппаратлар ўрнатилган жой (стол, стенд ва ш.к.). *Бошқариш пульти. Диспетчерлик пульти.* ▬ *У бошқариш пульти ёнидаги креслога ўтириб, бир оз мизғимоқчи бўлди. Афсуски, бу ҳам насиб этмади.* «Ёшлик». *Бу жойда каттагина бошқариш пульти ўрнатилган экан.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

3 Радиотелеаппаратураларни бошқарувчи асбоб. *Телевизор пультини босмоқ.*

ПУМА [*исп.* puma < *индейс тилларидан*] Американинг тоғ ўрмонларида яшовчи, мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич сутэмизувчи ҳайвон.

ПУНКТ I [*лот.* punctum – нуқта] **1** Ер юзидаги ёки фазодаги алоҳида белгиси, хусусияти билан ажралиб турадиган нуқта, маълум бир жой, ер. *Географик пункт. Стратегик пункт. Аҳоли яшайдиган пункт.* ▬ *Куни кеча жойлардаги қабул пунктларига янги пилла ҳосили ортилган карвонлар кела бошлади.* Газетадан. *Шаҳарларда ва аҳоли пунктларида патрул-йўл хизмати бўлинмалари ташкил этилган.* Газетадан.

2 Бирор иш, машғулот, тадбир кабилар учун белгиланган, махсус жиҳозланган бино ёки жой. *Телефон станциясининг гаплашиш пункти. Тиббий ёрдам пункти. Пахта пункти. Команда пункти.* ▬ *Полковник Грейдер ўз кузатиш пунктида туриб, стереотруба орқали жангни кўздан кечирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мактаб, боғчаю қишлоқ врачлик пункти қурса, ёмонми?* Газетадан.

3 Матн, қонун, қарор кабиларнинг рақам ёки ҳарф билан белгиланган алоҳида қисми; параграф, модда. *Уч пунктдан иборат қарор. Йигирма пунктдан иборат қоида.*

4 *плгрф.* Босмахона белгилари (ҳарф, рақамлар ва б.) ўлчамларини аниқлашда энг кичик бирлик.

ПУНКТИР [*лот.* punctum – нуқта] Алоҳида-алоҳида ўзаро яқин жойлашган нуқталардан (...) ёки чизиқчалардан (---) ташкил топган узун чизиқ. *Пунктир билан чизилган тасвир.* ▬ *Агар ёйилмани пунктир чизиқлар бўйича керакли тарзда буксак, унда тўрт бурчакли тўғри призма деб аталувчи геометрик жисм ҳосил қиламиз.* «Геометрия».

ПУНКТУАЦИОН Пунктуацияга, тиниш белгиларига оид. *Пунктуацион қоидалар. Пунктуацион белгилар. Пунктуацион хатолар.* ▬ *Китобда баъзи имловий ва пунктуацион хатолар учрайди.* Газетадан.

ПУНКТУАЦИЯ [*лот.* punctum – нуқта] *тлш.* **1** Маълум бир тил ёзувидаги тиниш белгилари тизими.

2 Ёзма матнни пунктуацион расмийлаштиришни тартибга солувчи, ҳар бир тилда тарихан шаклланган қоидалар, меъёрлар. *Ўзбек тили пунктуацияси.*

3 Тиниш белгилари тизими қонуниятларини, шунингдек, тиниш белгиларининг қўлланиш меъёрларини ўрганадиган тилшунослик бўлими.

ПУНКЦИЯ [*лот.* punctio – санчиш] *тиб.* Даволаш ёки диагностика мақсадида организмдаги бирор бўшлиқ, қон томири ёки аъзога шприц игнаси санчиш муолажаси.

ПУР [*ф.* پر – тўла, тўлиқ, жуда кўп] Тўла, кўп. *Кўз равоқини сен эттинг пур нур, Кўнгил эвини сен эттинг маъмур.* М. Солиҳ, Шайбонийнома.

ПУРВИҚОР [пур + виқор] *кт.* Виқорли, сервиқор. *Устига-устак заминнинг – пурвиқор, улуғвор тоғлар ўлкасининг табиати, оппоқ кўпириб оқаётган дарёнинг шовуллаши менинг руҳиятимга пўртаналар, тошқинлар олиб келади.* Газетадан. *Бўйдор қарағайлар кучли қўлларини ёруғликка чўзгандай яна ҳам азамат ва пурвиқор кўриндилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тоғларнинг пурвиқор салобати, сирли улуғворлигидан ҳайрат, ҳаяжоним ҳаприқиб кетди.* «Саодат».

ПУРИЗМ [*фр.* purisme < *лот.* purus – соф, тоза] **1** Адабий тилни бошқа тиллардан олинган ўзлашмалар, неологизмлардан, вульгаризмлардан сақлашга интилиш. *Маърузада белгиловчи қоида сифатида миллий тиллар терминологияси ўртасида минимал тафовут принципи майдонга қўйилади, чунки максимал тафовут принципи муқаррар пуризмга олиб боради.* «ЎТА».

2 Урф-одатлар (феъл-атворлар)нинг софлиги ва жиддийлигига интилиш.

ПУРКАГИЧ Ўсимликларга сув ва суюқ моддалар пуркаш учун ишлатиладиган мослама, асбоб. *Пуркагич билан экин майдонига дори сепмоқ.* ▬ *Мавсум муваффақиятини таъминлаш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Пуркагичлар, терим машиналари, транспорт воситалари созланиб, старт кутиб турибди.* Газетадан.

ПУРКАМОҚ 1 Сув ёки бошқа суюқ нарсани куч билан зарраларга айлантириб сочмоқ. *Вилтга қарши дори пуркамоқ.* ▬ *[Чол] Терига сув пуркайди ва кўва билан дўқдўқ уриб, чармни текислайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биров қанотларингизнинг тагига сув пуркаб қўйганми дейман, даврага тушолмай, мирғайиб турибсиз.* «Аския».

2 *кўчма поэт.* Сочмоқ, таратмоқ. *Ҳозиргина дилига нур пуркаган ўйлар яна кўнглини ғаш қилувчи оғир гумонлар билан алмашинганди.* О. Ёқубов, Ларза. *Аммо саратон тандири ўчакишгандай яна ҳам аланга олиб, оташ пуркарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПУРКАШ *қ.х.* Экинларни ҳамда ўрмонзорларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда махсус пуркагичлар билан пестицид эритмаларини сепиш; дефолиация усулларидан бири.

ПУРМАЗМУН [пур + мазмун] Мазмунли, сермазмун. *..ҳар бири дард билан суғорилган бениҳоя пурмазмун ва гўзал шеърлар..* Газетадан.

ПУРМАЪНО [пур + маъно] Маъноли, сермаъно, маънодор. *Албатта, бунда рамзий, тасаввуфга хос пурмаъно ҳам бор.* Газетадан. *Назм гулшанининг пурмаъно ҳикмат соҳибларини ўзбекнинг ўзига бек бўлганига 7 йил тўлиши муносабати билан «Истиқлол мушоираси»га чорлаймиз.* Газетадан.

ПУРҚУДРАТ [пур + қудрат] *кт.* Қудратли, серқудрат. *Афсуски, радиомиз кўпин-*

ча халқ билан мана шу бой, чиройли, пурқудрат тилда гаплашмайди. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПУРҲИКМАТ [пур + ҳикмат] *кт.* Ҳикматли, серҳикмат, ҳикматга бой. *Муҳтарам устод Шавкат афандининг пурҳикмат китобларида.. муҳим гаплар бор.* К. Яшин, Ҳамза. *Буюк бобокалонларимизнинг пурҳикмат сўзлари битилган лавҳалар маърифатингизни бойитади.* Газетадан.

ПУСМОҚ *шв. айн.* **писмоқ.** *Бўрибосарлар ҳаво димлигида қаерларда пусиб ётганини ҳеч ким билмасди.* «Ёшлик». *Уруш! Бундай пайтда эр кишининг жойи жангоҳда! Бировлар қон кечиб юришса-ю, сен уларнинг панасида пусиб ўтирсанг.* «Ёшлик».

ПУТ I *шв.* **1** *айн.* **оёқ 1.**

2 Икки оёқ оралиғи, чатаноқ. *Лайлакнинг юришини қиламан, деб читтакнинг пути йиртилибди.* Матал. ▬ *Уккининг оёқларини бириктириб боғлаб, бошини путига қистирган.* Ғ. Ғулом, Соялар.

ПУТ II [*р.*] *с.т.* Пуд. *[Қўй] Бир ярим пут мой беради. Суягигача мой: эртага норинхўрлар маза қилади-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юки бир чарх ила 3 пут келатурган эски-туски, латта-путталардан иборатдур.* М. Беҳбудий, Қасди сафар.

ПУТЁВКА [*р.* путёвка — йўлланма < путь — «йўл» с. дан] **1** Бирор жойга, мас., ўқишга, дам олиш уйига, ишга юбориладиган кишига бериладиган махсус ҳужжат, йўлланма. *Санаторий путёвкаси.* ▬ *[Пўлатжон] Учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиш.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Алоҳида комиссиядан ўтиб, академияга путёвка ҳам олдим.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

2 *махс.* Автомашина ва б. транспорт воситалари ҳайдовчиларининг қўлига бериладиган, маршрут ёки бажарилиши зарур бўлган иш ёзиб қўйилган варақа.

ПУТУР *с.т.* Футур, шикаст, зарар. *Бу ҳол китоб тили учун катта путурдир.* М. Жўра, Ноширнома. *..У бир оз тўлишибди. Лекин бундан ҳуснига заррача путур етмабди.* «Ёшлик».

ПУФ *тақл. с.* Нафас олиш, ўтни ўчириш ёки алангалатиш ва иссиқ нарсани совитишда икки лаб орасидан кучли босим билан ҳаво чиқишида эшитиладиган товуш ва шу ҳаракатнинг ўзи ҳақида. *Мулла Саид Жалолхон.. бурнига қўнган пашшани қўлидаги рўмолча билан қўриш малол келди шекилли, остки лабини чўзиб, «пуф» деди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *[Гулнор] Ёнидаги чироқни «пуф» деб ўчирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шунинг учун болалари касалманд кўринишаркан-да! Далавойнинг аёли «пуф» деса, учиб кетадиган, рамақижон экан.* «Ёшлик».

Пуф сассиқ *шв.* Ёқмай қолган, ёмонга, яроқсизга чиқарилган кимса, нарса ҳақида айтиладиган ибора. *-Ёшроғини топдингизми? — деди Қимматхон [Умматалига] дабдурустдан. -Сен топганингдай, менга ҳам насиб қилгани бордир. Ҳар ким ўз кўнгли тортган ошни ичади. -Ҳо-о, — деди Қимматхон чўзиб, — энди мен «пуф сассиқ» бўлдимми?* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ПУФАК 1 Суюқликда, суюқ массада ҳосил бўладиган, ичи ҳаво билан тўлган шаффоф шарча. *Совун пуфаклари.* ▬ *Пайт баҳор эди, Ёмғир тушди-да, Томчидан улкан Бир пуфак шишди.* Нурбек.

2 Қайноқ сув ва б. нарсадан куйиш натижасида терида пайдо бўладиган, ичи суюқликдан иборат оғриқли бўртиқ, пўрсилдоқ.

3 *анат.* Одам ва ҳайвонлар организмида суюқлик тутиб турувчи ёки суюқлик тўпланадиган юпқа қопчиқ. *Ўт пуфаги. Сийдик пуфаги.* ▬ *Ўрта мия пуфаги одамда ва юқори ҳайвонларда бош миянинг нисбатан жуда оз қисмини ҳосил қилади.* «Анатомия».

2 Ичига ҳаво ёки енгил газ тўлдириб шиширилган, юпқа, чўзилувчан нарса; шар. *Бирпасдан кейин лагерь устида думига каттакон пуфак боғлаб олган самолёт пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ПУФАКЧА Пуфак с. кичр. *Совун пуфакчалари. Мия пуфакчалари.* ▬ *Элмуроднинг.. панжалари орқасида пуфакчалар пайдо бўлибди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ПУФЛАМА: пуфлама мусиқа асбоблари Ҳаво оқимининг чолғу каналида тебранишидан товуш ҳосил бўладиган созлар гуруҳи (сурнай, карнай, флейта ва б.).

ПУФЛАМОҚ 1 Икки лаб орасидан кучли босим билан ҳаво чиқармоқ, дам урмоқ. *Чироқни пуфлаб ўчирмоқ. Шарни пуфлаб шиширмоқ. Халқ пуфласа, бўрон бўлар.* Мақол. ▬ *Рафиқ пуфлаган эди, [ҳуштак] жуда қаттиқ чуруллади. Бола бениҳоят суюнди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эргаш ўрнидан*

туриб, чайла бурчагида илиғлиқ турган чопонини олиб, елкасига ташлади. Пуфлаб, чироқни ўчираётган эди, ташқарида мотор овози эшитилди. «Ёшлик».

2 Оғзидаги нарсани ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими билан чиқариб, туфлаб ташламоқ. *Абдуманноп иштаҳа билан чайнаб турган гўштни пуфлаб ташлади.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *У Саидийнинг шарбатини сўриб бўлди. Энди пўчоғини пуфлаб ташлаши керак.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган мақол бор.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПУФПУФЛАМОҚ *с.т.* **1** *қ.* **пуфламоқ 1.** *У газга чой қўйиб, эрталаб ювиб, ёйиб қўйган кирларини дордан йиғиштирди-да, иссиқдан пуфпуфлаб, уйига кириб кетди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Авайламоқ, асрамоқ. *Уни пуфпуфлаб катта қилди.*

ПУХТА [*ф.* پخته – қайнатилган; пишган; тажрибали, моҳир] **1** Узоқ чидайдиган қилиб ишланган; пишиқ, мустаҳкам. *Пухта газлама. Пухта арқон. Пухта иморат. Пухта тўқилган пайпоқ.* ▬ *Куннинг қизиғида кенг тош йўлда пухта этикларини қалдиратиб илдам юрган аскар йигит.. терлаган юзида бирдан шабада нафасини сезди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Кўчама-кўча пухта ғиштлардан тўшаб, тахтиравон йўл солди.* «Нурали».

2 Пишиқ, ҳар томонлама ўйлаб иш қиладиган. *Пухта одам. Пухта ташкилотчи. Пухтанинг иши беш, шошманинг иши бўш.* Мақол. ▬ *-Ҳа, сен пухтасан, – дея Тўғайсари яна ёнбошлади. – Балки сениям билганинг билгандир.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

3 Атрофлича, чуқур ўйланган, асосли; пишиқ. *Пухта фикр. Пухта иш. Пухта асар.* ▬ *Хатиб домла ҳақсизликка қарши.. пухта тадбирларни кўради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бу гапни алоҳида эътироф этиш кераккки, буларнинг бариси ҳаётий, бадиий жиҳатдан пухта, ишонарли чиқади.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Йўл-йўлакай қиз жуда кам гапирар, фақат саволларга жавоб берар эди, жавобларни ҳам олдин пухта ўйлаб, кейин айтарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

4 Камчилиги, кам-кўсти бўлмаган, бекам-кўст; тўла-тўкис. *Назарий жиҳатдан пухта тайёргарликка эга бўлган мутахассис кадрлар. Қишловга пухта тайёргарлик кўрмоқ.* ▬ *Сиёсий мустақиллик пухта ва мустаҳкам иқтисодий заминга эга.* Газетадан.

ПУХТАЛАМОҚ 1 Пухта қилмоқ, пиширмоқ. *[Мастура:] Айтмоқчи, биз поччангиз билан маслаҳатни хўп пухталаб қўйганмиз.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Иш бошдан пухталанган, қандай ерга бораётганлари айтилган экан, хайрият!* Ойдин, Мардлик – мангулик.

2 Асосли равишда, тўлиқ ўзлаштирмоқ. *Билимини пухталамоқ.* ▬ *Холиқ чираниб дейди: -Осонгина кираман. Уч ой пухталаб ўқиб, Монтёр, радист бўламан.* Қ. Муҳаммадий.

Оғзини пухталамоқ Ошиқча сўз демайдиган, сир айтмайдиган қилмоқ. *Боланинг оғзини пухталаб қўймоқ.*

ПУХТАЛИК 1 Ҳар тарафлама асослилик, пишиқлик; тўла-тўкислик. *Асарнинг пухталиги. Пухталик билан иш олиб бориш.*

2 Буюмнинг белгиланган хизмат муддати давомида иш қобилиятини муайян чегарада сақлаган ҳолда ўз функциясини бажариш хоссаси; пишиқлик, мустаҳкамлик.

ПУЧ [*ф.* پوچ – бўш, ғовак; қуруқ, мазмунсиз; бекор, фойдасиз, самарасиз] **1** Ичи бўш, мағзи йўқ ёки тўлиб етилмаган. *Пуч ёнғоқ. Пуч данак. Пуч уруғ. Пуч пилла.* ▬ *Ота-онам эски одамлар. Булар олдида ишқнинг пуч ёнғоқча қадри йўқ.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

Пуч калла Ақлдан, билимдан холи калла.

2 *кўчма* Асоссиз; амалга ошмайдиган; хом, қуруқ, ёлғон. *Пуч даъво. Пуч ваъда.* ▬ *Олий мактаб орзуси мен учун ёлғиз пуч хаёл бўлса ҳам, ундан воз кеча олмадим.* Ойбек, Нур қидириб. *Дўстлар, деманг бу пуч хаёл.* Ҳамза.

Пучга чиқмоқ Асоссиз бўлиб чиқмоқ, амалга ошмай қолмоқ, йўқ бўлмоқ. *Сидиқжоннинг бу важоҳати Зуннунхўжанинг ўйини пучга чиқарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Охирги умиди ҳам пучга чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Таги пуч** 1) асоси йўқ, асоссиз. *Таги пуч гап;* 2) замири бўш, таянчи йўқ. *Оқ подшонинг таги пучга ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ** Амалга ошмайдиган, қуруқ ваъдалар билан алдамоқ.

ПУЧАЙМОҚ Шишган, қаппайган ҳолатидан бўшаб, кичрайиб қолмоқ; бўшашиб, шалвираб кичраймоқ. *Коптоқ пуча-*

йиб қолибди. Қорни пучайиб қолибди. Дами чиққан пуфакдай пучаймоқ.

Илиги пучаймоқ (*ёки* **қуримоқ)** Ҳол-қудратдан кетмоқ, тинка-мадори қуримоқ (*яна қ.* **илик**). *Ариқ қазувчиларнинг овқатдан силлалари қуриб, иликлари пучайган.. дармонсиз эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Очликдан силлам қуриб, илигим пучайган чоғимда ҳам сизларга ялинмайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Кармони пучайди** Кармонида ҳеч нарса қолмади.

ПУЧАК [*ф.* پوچک] **1** Ичи бўш; пуч. *Пучак шар. Баллон пучак бўлди.*

2 *кўчма* Ҳеч нарсага арзимайдиган, қиммати тушиб кетган; қадрсиз, пуч. *[Ғофир:] Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Наинки муҳаббат, дўстлик, мурувват, одамгарчилик деган улуғ гапларни бозорга олиб чиқсалар, пучак пулга сотсалар!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 *кўчма* Асоссиз, пуч. *У [Машҳадий] султонларни, бекларни.. пучак, лекин кўз қамаштиргич ялтироқ сўзлар билан мадҳ этмоққа моҳир.* Ойбек, Навоий.

4 Қўлидан иш келмайдиган; қуруқ. *Шундай улуғ ишларда кишиларнинг сараги саракка, пучаги пучакка чиқади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ПУЧАКИ *айн.* **пучак.** *Пучаки чигит. Пучаки пул. Пучаки гап. Пучаки одам.*

ПУЧМОҚ 1 *эск. кт.* Чет, пастқам жой, овлоқ; бурчак. *Қишлоқнинг қоронғи пучмоғи.* ■ *Ахир, фольклорчи бўлиш, қайси бир пучмоқларда кўздан пана ётган халқ ижодининг дурдоналарини қидириб топиш.. уларни ёзиб олиб, китоб қилиб чиқариш.. — эҳҳа, игна билан қудуқ қазишнинг айни ўзи ку!* «Саодат». *Тоғларнинг бу хил пучмоқлари унга бегона эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Атроф тумонат оппоқ эди. Бу оқлик жамики пучмоқлару хилват гўшаларга ҳам алланечук ғайритабиий куч орқали тарқалган.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

2 *кўчма* Таг, туб; чуқур жой. *Юрак пучмоғида қолган кирларни қалам билан тозалов шоирнинг иши.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Ён-атроф қанчалик рутубатли, яъни қанчалик қора-қуюқ ранглар билан ўралган бўлмасин, кўнглингизга негадир илиқлик инади, бундан ҳам кўнглингиз ёришади, ҳам шуурингизнинг хира тортган пучмоқларида нимадир ғимирлайди.* Газетадан.

ПУЧУҚ 1 Ясси, ёпишган ёки шикастланган (бурун ҳақида). *Раҳимжон.. жуда хунук эди: қип-қизил гўшт, пучуқ бурнида доғлар, бошида тук.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Қаншари паст, бурни ясси, ёпишган, кичик ёки шикастланган. *Пучуқ бола.* ■ *Кўса ва пучуқ хоннинг бошидаги қимматбаҳо тожи худди сигирга урилган эгардек бесўнақай қўнқайиб турарди.* М. Осим, Элчилар. *Пучуқнинг келишдан мақсади фақат шу ёзиб бериладиган хатгина эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизни ҳақорат қилиб саваётган киши шу ерларнинг эгаси, машҳур Азим пучуқ деган бой экан.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 Болаларга нисбатан эркалаш, суйиш маъносида қўлланади. *Пучуқ қизим, мунча ширинсан.* ■ *Кичик Тельман, сал пучуққина, қорагина, ўзи шўхгина.* Миртемир, Асарлар.

4 Жўмраги синган ёки учган. *Пучуқ чойнак.* ■ *Бояги гапни айт, деяпман! Сен пучуқ обдаста ўлгурга ким қўйибди бировларнинг ишига аралашишни?* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

5 *кўчма* Япасқи, учи кемтик (пойабзал ҳақида). *Пучуқ этик.* ■ *Оёқларида кавуш ўрнига пучуқ калиш.* «Ёшлик».

ПУШАЙМОН [*ф.* پشیمان — ўкинувчи, ачинувчи, тавба қилувчи; ўз қилмишидан афсусланувчи] Ўз қилмиши учун руҳий эзилиш ҳисси; афсусланиш; афсус, надомат. *Пушаймон бўлмоқ (емоқ, қилмоқ). Сўнгги пушаймон — ўзингга душман.* Мақол. ■ *Иқрор бўлдим: гуноҳим йўқдир, Очиқ юриб топган кишимдан Ва беизн қилган ишимдан Пушаймоним ва оҳим йўқдир.* Ҳ. Олимжон.

Пушаймон бўлмоқ (*ёки* **емоқ, қилмоқ)** Ўз қилмиши учун руҳан эзилмоқ, афсус қилмоқ, афсусланмоқ. *Отаси жаҳл устида шундоқ қилаётганини, зум ўтмай пушаймон бўлишини, бутун умидлари шу қизидан эканини билади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қудратнинг ўзи ҳам кўчиб келишганига пушаймон еди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Гулнор айтганига пушаймон қилди, хатосини тўғрилаш учун сўзлашмоққа мажбур бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПУШТ [*ф.* پشت — орқа, елка; бел, сперма жойи; таянч, ҳимоя; ҳомий] **1** Одам ёки жониворнинг уруғ ёки тухумида бўладиган,

маълум шароитда ривожланиб, болага айланадиган, ўз ривожланишининг бошланғич босқичидаги аъзо; эмбрион. *Одамнинг пушти. Товуқнинг пушти.*

Пушти камар 1) оталик уруғи, сперма; 2) кишининг ўз фарзанди. *Менинг пушти камарим бу, суюкли ўғлим, Нурийдийдам васли учун тангрига шукур.* А. Орипов, Йиллар армони. **Пушти куйиш** Бирор касаллик натижасида бола кўрмайдиган бўлиб қолиш.

2 Кимса ёки оиланинг ўзидан аввалги авлоди ёки кейинги авлоди, авлод-аждод; насл. *-Менинг эрим.. тўплаган мол-дунёси икки пуштга етади, — деди Кумуш.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

Етти пушт Етти авлод ва аждод. *Етти пуштим ўтмаган отда, Бу аслида эмас катта ғам.* «Шарқ юлдузи». *Болангдан айланай, ундай қилманг. Сулаймоннинг қарғиши етти пуштимга етади, айланай.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Мирбадалбек, ҳушёр бўлинг, менинг қоним етти пуштингизга сачрайди!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Пушти панох (***тўғриси* **пушту паноҳ)** *қ.* **паноҳ.** *Дўстим бор, душманим бор, маҳалла-кўй, гузарим бор, қариган чоғимда кенжагинамнинг хотини менга пушти паноҳ, қўл-оёқ бўлармикин, деган эдим.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Суянган тоғлари, пушти паноҳлари эшони Судурни бошлаб келишди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. **Пушти кўтармаслик** Ёқтирмаслик, тоқат қилолмаслик. *Ойиси этагидан тутган боладек юрадиганларни пуштим кўтармайди.* О. Мухтор, Аёллар мамлакати ва салтанати.

ПУШТА 1 [*ф.* پشته — боғ, боғлам; тепача, дўнгча; тупроқ девор, ғов; марза] *қ.х.* Ёнма-ён жўяклар орасидаги, одатда қатор қилиб экин экиладиган узун ер бўлаги, экин палак отиши учун қолдирилган бўш жой. *Қовун пуштаси.* ▬ *Бир-икки қадам юргандан кейин эса, бирдан помидор пуштасида кундадай ғўдайиб турган эрига бир қарадию, юришиниям, юрмасиниям билмай қолди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Қиз қошиқдай қора туфлисининг учи билан эгат пуштасини шиббалади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Икки ток қатори орасидаги ёки ишком ўртасидаги бўш жой. *Боғда саккиз узун ишком, ҳаммасининг поялари яхши ишланган, пушталари чопилган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПУШТАН Эгарнинг от қорнидан айлантириб ўтказиб боғлаб қўйиладиган тасмаси; қоринбоғ. *Боз устидан тортади, ярақлатиб тилла пуштанни.* «Нурали». *Бир ёндан хазиначи бўлган қирқ йигитнинг бири бир тилла эгар.. пуштанлар, тилла узангиларни ҳозир қилди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ПУШТИ Шафтоли гули рангидаги; оч қизил. *Пушти гул. Пушти лента.* ▬ *Зумрат ичкарига кириб, кийиниб чиқди. Эгнида гулдор пушти халат, дуррани дол қўйган, оёғида қизил бахмал шиппак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Тувакларда оқ, сариқ, пушти гуллар очилиб ётибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ПУШТУ(Н)ЛАР *қ.* **афғонлар**.

ПЬЕСА [*фр.* piece] **1** *ад.* Саҳнага қўйиш учун мўлжалланган драматик асар. *Тўрт пардали пьеса. Комил Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» пьесаси.*

2 *мус.* Кичик ҳажмли мусиқа асари.

ПЮРЕ [*фр.* puree < purer — тозаламоқ < *лот.* purus — тоза] Мевалар ёки қайнатиб пиширилган сабзавотларни қирғичдан ўтказиб ёки эзиб, ийлаб тайёрланадиган егулик, қайла.

ПЎК I **1** Ичи чириган ёки кавак. *Пўк дарахт. Пўк ёғоч. Бу толнинг ичи пўк.* ▬ *Нусратбек ҳам шундай қилди. Бироқ редиска пўк экан. Туфлаб ташлашга улгурди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Бирор касаллик туфайли дарахт танасидан ўсиб чиқадиган, ғовак тўқимадан иборат ўсимта; дарахт буқоғи. *Толнинг пўки. Тут пўкидан сариқ бўёқ сифатида фойдаланилган.* ▬ *Бу жангга душман ўз ихтиёридаги ҳамма нарсани ташлади; унинг орқа томони қуриган дарахтдек пўкдир.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Семиз, лекин кучи кам; хомсемиз. *Даланинг кўкига, одамнинг пўкига ишонма.* Мақол. ▬ *Меҳнат қилиб ўрганмаган Камол пўк эди, бир-икки силтаниб, қўлларини Нодирдан зўрға бўшатиб олди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

4 *кўчма* Маъносиз, саёз, бўш (умри қисқа). *Замон пўк нарсани тез унутдирар, Яъни турғунликдан ҳаёт ўч олар, Эски лой қалъа йўқ, қиссаси турар, Ерга чўкиб кетган эски кўчалар.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

5 *шв.* Пўкак, тиқин. *Тарелка ёнида ётган пичоқни олиб, унинг учи билан шиша оғзида-*

ги пўкни олмоқчи бўлди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *[Мингбоши] Шишанинг тагига йўғон шапалоғи билан икки марта урди, пўк сачраб чиқиб, шипга тегди, сўнгра у ердан сачраб, токчадаги катта жомга келиб тушди; «жар-р-ранг» .. этди жом.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

Пўк бермоқ Қўрқиш ёки қатъиятсизлик орқасида оғиздан гулламоқ, валдирамоқ, сир бой бермоқ. ▬ *Нима бало бўлди, эринг икковимизнинг ишимизни сезиб қолганми дейманов, ёки пўк бериб қўйдингми? [деди йигит хотинга].* Ғ. Ғулом, Шум бола. **Пўк учмоқ** Ёлғон гапга ишонмоқ, лаққа тушмоқ, лақилламоқ. -*Омон ҳам менинг гапимга «пўк» учган бўлса керак, икки гапнинг бирида «ҳаҳа, ҳаҳа», деб қўяр эди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ПЎК II *тақл. с.* Ичи бўш ёки кавак нарсани урганда, қиздирилмаган чилдирмани чертганда, юракнинг қаттиқ уришида чиқадиган товуш ҳақида. *Пишган қовоқ чертилса, пўк этади.* ▬ *Аҳён-аҳёнда шампанскийнинг «пўк» этган овози эшитилиб қолади.* «Муштум». *Дуторнинг тинғир-тинғирию чилдирманинг пўк-пўк товушини атроф ютиб юбораётгандай эди.* «Ёшлик».

Пўк этиб Бирдан, тўсатдан, кутилмаганда. *Қизинг беш-олти кун йиғлаб-сиқтаб кўникиб ҳам қолар. Ўтдами, сувдами бешолти кунда пўк этиб униси ҳам ўлса, ана ундан кейин ўзининг хоҳлаганига берармиз, эсидан ҳам чиқиб кетар.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Нима, ажали етиб, иякни қоқишга қараб қолди, пўк этиб ўлса, бўлганимиз бўлдик.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПЎКАК 1 Қорақайинлар оиласига мансуб доим яшил бир турли дарахтнинг (пўкак дубининг) пўстлоғидан тайёрланадиган енгил материал. *Пўкакнинг енгиллик, шовқин ва иссиқликни ўтказмаслик хусусиятлари.* ▬ *Пўкак қурилиш материалларининг энг енгили ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай материаллардан қилинган тиқин; пробка. *Бир маҳалда кўзи олазарак бўлиб қўшнимнинг ўзи хонамга кирди. Эшикни зичлаб ёпди-да, шимининг чўнтагидан пўкаги очилган бир шиша вино олиб, стол устига қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 Ичи кавак, пўк. *..Ғиёсиддин суянадиган тolларнинг ичи пўкак бўлиб, нураб қолган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

4 *кўчма* Бўш, лапашанг. *Сен «тўнгак»лар мунчалик пўкак бўлмаганларингда, бунақанги сасимасдиларинг.* Ҳ. Шамс, Душман. *Пўкакларни олиб отар қирғоққа, Мардлар юрагини обод этар вақт.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

5 *кўчма* Маъносиз, бўш. *Замиранинг ҳаёти Равшанга қаҳрамонликдек бўлиб туюлди. Унинг кунлари эса бекорга ўтди, ҳаёти пўкак, бемаъно.* Ф. Мусажонов, Равшан.

ПЎКИЛЛАМОҚ 1 «Пўк-пўк» этган товуш чиқармоқ. *Қизлар бир-бирини ўйинга тортади, чилдирма пўкиллайди.* Н. Фозилов, Оқим.

Юраги пўкилламоқ *айн.* **юраги безилламоқ** *қ.* **безилламоқ.** *Ҳафиза автобусдан тушиб, юраги пўкиллаб, институт биносига кирди-да, тўппа-тўғри аспирантлар ўтирадиган умумий хона эшигини очди.* Мирмуҳсин, Умид. *[Мунаввар:] Юрагим пўкиллаб, ҳовлига кирдим. Ойим очиқ айвонда, хонтахта олдида ўтирган экан.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПЎКОН Йўғон ичак. *Пўкондан қилинган ҳасип.* ▬ *Мана шу пўконни уйингизнинг шипига осиб қўйинг.* «Муштум».

Пўконидан ел ўтмаган Қийинчилик кўрмаган; меҳнат қилмаган; меҳнати сингмаган. *Жанг кўрмаган, пўконидан ел ўтмаган, хом сут эмган йигитчадек, мусичаи бегуноҳ бўлиб туришингизни қаранг.* С. Кароматов, Олтин қум. *Баъзи ёшларнинг шундай ёмон бўлиб кетгани ҳақида боши қотарди. Пўконидан ел ўтмаганларнинг ҳаммасини ётқизиб қўйиб, камар билан савалагиси келарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПЎК-ПЎК **Пўк** II с. такр. *Йўлда ялангоёқ кетаётган барваста, гавдали одам, тутуннинг аччиғидан ўпкаси узилаётгандек, тез-тез ва пўк-пўк йўталарди.* «Ёшлик».

ПЎЛА [*ф.* پوله — шикастланган, эзилган] Зарб еб ёки пишиб ўтиб кетиб ичи тушган, ичи бўш. *Пўла қовун. Қовуннинг ёмони — пўла, Хешнинг ёмони — бўла.* «Фольклор».

Боши пўла бўлмоқ Мияси қаттиқ зарбдан чайқалмоқ, лат емоқ. **Пўла бош** Гап уқмайдиган, калтафаҳм, галварс. *Бу пўла бошга энди тушунтирдим-а. Ўзи юмшоқ супурги бўлиб кўринса ҳам, тошдан ҳам қаттиқ экан, занғар, — деб яна сипқорди.* К. Яшин, Ҳамза. **Пўла бўлмоқ** Зарб, лат емоқ. *Сафарбой ўн йигити билан дабдала бўлиб,*

балки тоза пўла бўлиб, кўп қамчини еб, Чамбилга қайтдилар. «Авазхон».

ПЎЛАТ [*ф.* پولاد – жуда қаттиқ кулранг металл] **1** Темирнинг маълум миқдордаги углерод билан қўшилишидан ҳосил бўлган, кулранг, чўкичланувчи қаттиқ металл. *Зангламайдиган пўлат.* ▬ *Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир. Эски тақалар, темир-терсаклар билан зўрға қимирлаб турибмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шу металлдан тайёрланган, ясалган. *Пўлат сим. Пўлат қайчи. Пўлат тиш. Пўлат пичоқ қинсиз қолмас.* Мақол.

Пўлат из *поэт.* Темир йўл. *Янги машиналар келар бирин-кетин Дўстлик қура олган пўлат излардан.* Зулфия. **Пўлат от** *поэт. айн.* **трактор.** *Пўлат отни ўйнатиб, Тракторчи бўламан.* Қ. Муҳаммадий. **Пўлат сандиқ** *қ.* **сандиқ. Пўлат қуш** *поэт. айн.* **самолёт.** *Кўкда ранго-ранг пўлат қушлар ҳамиша посбон.* Ҳабибий, Девон.

2 *фольк.* Қилич, шамшир. *Олмос пўлат боғлаб мен ҳам белимдан, Дев излаб чиққанман ўсган элимдан.* «Маликаи айёр». *Пўлат билан қирди девни, кескир ханжарини урди, яланғочлаб қилич солди.* «Маликаи айёр».

3 *кўчма* Метиндай мустаҳкам, бузилмас, енгилмас. *Пўлат қальа.*

4 Кучли, забардаст. *Қиш. Деҳқон аҳлининг пўлат мускулларига ҳордиқ берадиган, кўнгил ёзадиган фасл.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бизнинг пўлат қудратимиз – бирлигимизда.* М. Шайхзода.

5 Пўлат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ПЎЛОТИЙ Сариқ мағиз буғдой унидан тайёрланган, чакич билан юзига гул солиб ёпилган йирик нон. *Самарқанднинг сариқ мағиз буғдойидан пиширилган, ҳар биттаси ойбаркаш нусха пўлотий, осиёйи нонларни еганмисиз?* Ғ. Ғулом, Самарқанд сайқали. *Чойхоначи бир чойнак кўк чой билан патнисда тўрт чақмоқ қанд ва янги узилган нони пўлотийдан келтириб қўйди.* Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим.

ПЎМ *бол.* Бир-бири билан гаплашмай қўйган, уришиб қолган; араз. *Биз у билан пўммиз.*

Пўм бўлмоқ (*ёки* **чиқмоқ**) *-Дада, ойимла билан пўм бўлдингизми? – сўради Витя. -А? Ким айтди? – кулгисини босолмай зўрмазўраки қовоғини солиб сўради Маҳкам ака.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ПЎНГ *с.т.* **пўк.** *Азиза шу вақтгача қамчисидан қон томиб, сўзидан илон пўст ташлаган дадасининг ичи пўнг эканини энди тушунди.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

ПЎНГҚАРҒА *шв.* Қора қарға, гўнгқарға. *Қассоб дўкони олдидаги қанорада уч-тўртта пўнгқарға ивирсираб сакрайди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ПЎНҒИЛЛАМОҚ Норози кайфиятда димоғ билан секин ва ноаниқ сўзламоқ, ғўнғилламоқ, пинғилламоқ. *қора Аҳмад бир нима деб пўнғиллади-да, ҳовлининг четидан юриб, бир уйча олдида тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу лаҳза Шукур Каримович ғўдайиб турган Салимхон Обидийга хўмрайди, «Домла, расво қилдингиз!» деб пўнғиллади.* Мирмуҳсин, Умид.

ПЎПАК *шв. айн.* **попук**. **1.** *Бу туяларнинг.. бўйинларига ва тиззаларига кумуш.. қўнғироқлар, нўхталарига ипакли қизил пўпаклар тақилган экан.* С. Айний, Эсдаликлар. *Сўйла, дўмбира, боқайин, Бошингга пўпак тақайин.* М. Алавия.

ПЎПАКЛИ 1 *шв.* Пўпаги бор, пўпак тақ(ил)ган. *Отлар оппоқ кўпикка ботган, ҳар жунидан тер чиққан.. қирқ йигит, пўпакли найзаси париллаб, қалқон елкасида дириллаб.. келаяпти.* «Юсуф ва Аҳмад».

ПЎПАНАК 1 *бот.* Зах ерларни қоплаб ўсадиган яшил ранг замбуруғ ёки йўсин. *Ғишткўприк ёнбошидаги ҳаммомнинг гумбазларини пўпанак босиб кетган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Пўпанак ўт Замбуруғ ва сув ўсимлигининг бир-биридан фойдаланиб, бирга яшашидан вужудга келган кўк моғорсимон ўсимлик. *Ҳовузнинг четларини ҳар хил пўпанак ўтлар босиб кетган.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Илиқ пўпанак ўтга юзимни босиб ётардим, бирдан шамоллаган одам товушидай хирқироқ товушлар эшитилди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *шв.* Моғор.

Пўпанак босган 1) пўпанак билан қопланган, моғорланган. *Ётоқда, айниқса полда ётадиганларнинг тўшаги доим нам, қуримаган этиклари эрталабгача пўпанак босиб қолади.* А. Мухтор, Туғилиш; 2) *кўчма* ишлатилмасдан узоқ туриб қолган, чанг босган. *Уч тонна кунжара нега омборда пўпанак босиб ётади?* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ПЎПИСА Шунчаки қўрқитиб қўйиш учун қилинган дўқ, юзаки дағдаға. *Ҳокимнинг боя қилган зуғуми хўжа кўрсинга қилинган қуруқ пўписа эканини билгани учун зиғирча ҳам кўнгли чўкмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Унинг дабдурустдан пўписа қилиши нафсониятимга тегди.* «Ёшлик».

ПЎРИМ [*р.* форма – «расмий кийим» с. дан] **1** *с.т.* Башанг, олифта. *Улардан бири шимига гард юқтирмаслик учун икки ёнидан кўтариб олган, авайлаб қадам босаётган пўрим йигит Шавкат эди.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *-Жа пўрим бўлиб олибсанлар, – деди у дўлвор табиатига ярашмайдиган жиддий қиёфага кириб.* «Шарқ юлдузи».

2 Зеб берилган, ҳашамдор. *Биздан нари уч қишлоқнинг колхозида Ҳисобчимиш, пўрим ойнак шум кўзида.* Ғ. Ғулом. *-Сиз, – деди Азмиддин калта сийрак соқолини пўрим тарашлаган Бўронбекка қараб. -Сиз, Бек жаноблари, Камол билан бирга.. Раҳмонқул қароргоҳига жўнайсиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ПЎРСИЛДОҚ I Дуккаклиларга мансуб, ҳосили пуфакка ўхшаш бута.

ПЎРСИЛДОҚ II **1** Теридаги қавариқ, шиш; қавариб, қуруқшаб ёрилган жой. *Пўрсилдоқ лаблар.* ▬ *Нусратбек беихтиёр, тушимми, деб кўзларини юмиб очди: -Аҳмад тоға?! -Ҳа, ман, жиян! – у пўрсилдоқ қалин лабини ялади.* С. Нуров, Нарвон.

Пўрсилдоқ боғламоқ Шишмоқ, қавармоқ, қуруқшаб ёрилмоқ. *Пўрсилдоқ боғлаб ёрилган лаблари оҳиста пичирлади.* «Ёшлик». *Совуқда кўкариб, пўрсилдоқ боғлаган лабларини кўз олдига келтирди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *кўчма* Қуруқ, баландпарвоз, шунчаки. *«қошинг, кўзинг», «қомати аъло, кўзлари лайло..» деган гаплар барчаси ёлғон, пўрсилдоқ гаплар.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Пўрсилдоқ гаплар турғунлик даврида авж олиб, жонга тегиб кетган.* Газетадан.

ПЎРСИЛДОҚ III **1** Кўпчиб, бўртиб турган, билқиллама, юмшоқ. *Пўрсилдоқ буғдой нон.* ▬ *Қоронғироқ бурчакдаги стол атрофида қўр тутиб ўтирган овқат ташувчилардан бири ўрнидан туриб, газда пиширилган, мағзи қалин пўрсилдоқ иккита нон келтирди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Азамат теракларга чирмашган аймоқи узумлар, пахса деворлар орасида ёқутдек ялтираган олчалар, пўрсилдоқ оқ ўриклар..* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ПЎРСИЛЛАМОҚ Бўртиб қаваринқирамоқ, кўпчиб, билқиллаб турмоқ. *Даладан ҳаллослаб Ҳакима ҳам келди. Унинг юзи иссиқдан, тердан пўрсиллаган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Пўрсиллаб қабарган саҳро яшил гиламлар билан қопланди.* Ойбек, Навоий.

ПЎРТ *такл. с.* Игна, тикан каби ўткир нарса кирганда, тешганда эшитиладиган товуш. *Игна қўлимга пўрт этиб кириб кетди.* ▬ *-О, боламей, тақдир-да, тақдир, – дедилар бувим кўрпага пўрт этказиб игна урар эканлар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Пўрт учмоқ Дарҳол ҳушидан кетмоқ, донг қотмоқ; тил тортмай ўлмоқ. *Маст бўлиб, пўрт учди.* ▬ *Парвардигор нега бу шайтонларни пўрт учириб юбормаяпти?* Ш. Тошматов, Тонгдаги қуланка.

ПЎРТАНА 1 Кучли денгиз тўлқини, узоқ давом этадиган довул, бўрон. *Денгиз пўртанаси.* ▬ *Пўртана ҳамма ерда шовқин-сурон кўтармоқда. Десантчи кемалар унсиз бўғозга яқинлашдилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Кейин Тошкентда ҳам пўртана кўтарилди! Ниҳоят Бухорода.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 *кўчма* Туғён, эҳтирос. *Сезмакдаман, тўлмоқдадир паймонанг. Ўт олмоқда юрагингда пўртана.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим. *Маллаев ғазабим пўртанасини ломмим демай кузатиб турди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Лекин бу – юрагидаги пўртана кўлмакка айланди, деган гап эмас.* «Шарқ юлдузи».

ПЎРТАНАЛИ *кўчма* Туғёнли, эҳтиросли, жўшқин. *..ўша пўртанали воқеалар кечган жойларда эсимни таниганман, ўша воқеалар болаликдан менга азиз эртакдек бўлиб қолган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПЎРТАХОЛ [*а.* پورتقال / *ф.* برتقال – апельсин Жанубий Европада дастлаб етиштирилган Португалия номидан] *эск.* *айн* **апельсин.** *-Йўқ, – деди хатлар бўлимининг мудири билимдонлик билан. – Мандарин бул пўртахол, апельсиндан кичикроқ, лимондан ширинроқ цитрус дарахтининг меваси.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПЎСТ [*ф.* پوست – тери, қобиқ, пўчоқ; пўстлоқ; қўй териси] **1** Мева, сабзавот ёки дон сиртини ўраб турувчи қатлам, юпқа

пўчоқ. *Олманинг пўсти.* ▬ *Эри сумкани очиб, олиб келган меваларидан бошқа беморларга улашди-да, апельсин пўстини арчиб, хотинига тутди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Дўстлар бир оз сўлиган бананларнинг олтинсимон пўстларини арчиб, нон билан ея бошладилар.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Одам ва жониворларнинг танасини қоплаб турувчи юпқа тўқима, тери устидаги юпқа парда. *Унча-мунча гап менга юқмайдида. Чунки терим пўст ташлайвериб, чармга айланиб кетган.* М. Иброҳимов, Эгасини топмаган мактуб. *Нусратбек холанинг офтобда қорайиб, пўсти кўчган муштдаккина юзи, пешонасидаги ажинларга разм солди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 Тери. *Оқ пўст одам.* ▬ *..Ўрта бўй, оқ пўст, қора кўз, содда табиат бир хотин бўлиб, Тўлахоннинг онасидир.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

4 *геогр.* Ер қобиғи. *Ер пўстида кислород, кремний, магний элементлари кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

5 *анат.* Мия яримшарларининг қобиғи. *Мияча ва катта мия яримшарларининг юзаси остида ёки умумий айтилишича, пўст остида ҳам кулранг модда тўпламлари бор.* «Анатомия». *Ғарбий Онтарио университетининг тадқиқотчилари бош мия пўстининг кўриш зонасига электродлар ўрнатишди.* «Фан ва турмуш».

Илон пўст ташлайди *қ.* **илон.** *[Фотима:] Буларнинг тайини йўқ, буларнинг қилиб юрган ишига илонлар пўст ташлайди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. **Пўсти устухонига ёпишган** *айн.* **устухони қолган** *қ.* **устухон**. **Пўстига сомон тиқмоқ** *айн.* **терисига сомон тиқмоқ.** *қ.* **тери.** *Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга.* Мақол.

ПЎСТАК [*ф.* پوستک – «пўст» с. нинг кичр.] **1** Ўсиқ жунли ошланган теридан иборат тўшак. *Айиқ пўстаги. Эчки пўстаги.* ▬ *Элчи ва унинг мулозимлари ҳам қатор қилиб солинган пўстаклар устига ўтирдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ўртага бир яшикни хонтахта ўрнига қўйиб, атрофига пўстаклар солди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 *кўчма* Қўлидан иш келмайдиган, ҳеч нарсада йўқ, эплай олмайдиган, калтафаҳм. *Э, нима қиламан ўша пўстакни?* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Бу ўзи пўстак, дадамларнинг обрўсини қилиб, мактабда унга баҳо қўйишган.* Мирмуҳсин, Илдиз ва япроқлар.

Пўстагини қоқмоқ Аёвсиз танқид қилмоқ, боплаб танқид қилмоқ, астар-пахтасини ағдармоқ. *Ҳа, кеча кўпроқ ичиб қўйган эканман. Болалар билан муштлашибмиз. Боплаб пўстагимни қоқишибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Тоза пўстагини қоқишганга ўхшайди, – дея кулди ўзича шофёр. -Энди шўринг қурғур бир бечорадан боплаб аламини олади.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Қора пўстакдан бурга қидирмоқ** (*ёки* **топмоқ**) Бажарилиши қийин, маҳол бўлган ишга киришмоқ, ҳал бўлмайдиган ишга беҳуда вақт сарфламоқ. *-Қишлоқдан-ку бадарғаман, чумчуқдек жоним билан шаҳарга тушиб кетсам, «қора пўстакдан бурга қидириш қийин» дегандай, шаҳардан мени ким ҳам топа ола қолади? – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *[Муриддин баққол]: Бу замонда адолатни топишдан кўра, қора пўстакдаги бургани тутиш осонроқ, акаси.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

ПЎСТДУМБА [пўст + думба] Қўй думбасининг алоҳида ажратиб олиб пишириб ейиладиган ёғли териси. *Пўстдумба солинган шавла.* ▬ *Мамадали ҳам бувасига ўхшаб паловни яхши кўради. Айниқса, пўстдумба солинганини.* Ў. Умарбеков, Бобоёнғоқ. *Қази, пўстдумба, сиркаланган ва тузланган сабзавотлар эса қиш ойларида тановул қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПЎСТИН [*ф.* پوستین – пўстин, шуба] Мўйнали ошланган теридан тикилган узун, иссиқ устки қишлик кийим. *Сирма пўстин. Поча пўстин. Одамни пўстин эмас, иш қиздирар.* Мақол. ▬ *[Дарвозабон] Ошланган қўй пўстагидан пўстин кийиб.. белбоғига ярим газ чамали калид осган туркман папахли бир киши.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ПЎСТИНБОП Пўстин тикиш учун ярайдиган. *Пўстинбоп тери. Пўстинбоп қўйлар.*

ПЎСТИНДЎЗ [пўстин + *ф.* دوز – тикувчи] Пўстин тикадиган уста, мўйнадўз. *Пўстиндўзга буюртма бермоқ.* ▬ *Паҳлавон Маҳмуд 1247 йили Хива яқинида пўстиндўз оиласида дунёга келган.* Ҳ. Ҳомидий, Тасаввуф алломалари.

ПЎСТИНДЎЗЛИК Пўстин тикиш билан шуғулланиш. *[Паҳлавон Маҳмуд] Пол-*

вонликни касб қилиб олмаган, балки салафлари анъанасини давом эттирган ва пўстиндўзлик, телпакдўзлик билан шуғулланиб, тирикчилик ўтказган. «Фан ва турмуш».

ПЎСТИНЛИК Пўстинга етарли (тери, мўйна ҳақида). *Икки пўстинлик тери.*

ПЎСТИРМА *шв.* Пўстдумба.

ПЎСТКАЛЛА, пўскалла [*ф.* پوستكنده – териси шилинган]: **гапнинг пўсткалласи** *с.т.* Гапнинг лўндаси, қисқаси, хулласи; асосий мақсад. *Гапнинг пўсткалласини айтсам, шу ишни қилсак, ойим раҳматли гўрларида тинч ётадилар.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Саидхон дудуқланиб қолди. Бирдан гапнинг пўскалласини айтишга юраги бетламади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қуланка.

ПЎСТЛОҚ Ўсимликнинг танасини, новда ва илдизларини қоплаб турган қисми; пўст, қобиқ. *Тол новдасининг ёш пўстлоғи. Терак пўстлоғи. Зигирпоя пўстлоғи.* ▬ *Ўчоқдаги кул чангиди, чайланинг томига осилган тол пўстлоғи шитирлаб тебрана бошлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Қорақанд меваси билан чинор пўстлоғидан тайёрланган шарбат ҳам қандли диабетни даволашда яхши восита экан.* «Фан ва турмуш».

ПЎТА I **1** Косиб ва кўнчиларда 9,3 квадрат дециметрга тенг сатҳ ўлчов бирлиги. *Беш пўта тери.*

2 *с.т.* **фўта.** *Белима яраша заррин пўтамди(р), Ўзинг кечир менинг қилган хатомди.* «Нурали». *Қулоқ солгин мендай бебахт тилига, Беклардайин пўта боғлар белига!* «Гўрўғлининг туғилиши».

3 *шв.* Тивит салла, рўмол; дакана. *Майрам опа, бошидаги пўтаси эшик тепасига тегмасин учун, хам бўлиб, ичкарига кирди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Онам баланд бўйли, қотма аёл. Бошларида ҳамма вақт пўта бўлади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ПЎТАКА *шв.* Қушларнинг ошқозони.

ПЎЧОҚ 1 Мева, сабзавот, данак ва ш.к. нинг устини қоплаб, уни ташқи таъсирдан ҳимоя қилувчи қаттиқ қобиғи, қалин ва зич пўст. *Тарвузнинг пўчоғи. Картошка пўчоғи. Тухум пўчоғи. Ёнғоқ пўчоги. Ғўза пўчоғи.* ▬ *Сидиқжон акам тупроқ таший қолсинлар, ўзим яхши ошқовоқ пўчоққа узун ип боғлаб бераман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Мева, сабзавот қолдиғи, чиқинди. *Қўйга пўчоқ бермоқ. Пўчоқ йиғиштирмоқ.* ▬ *Кетиш олдидан Аҳмад ерга тушган ҳандалак уруғи ва пўчоқларини битталаб тердирди, дарёга ташлаттирди.* «Ёшлик».

Пўчоқ пул *с.т.* Қиймати тушиб кетган, қадрсизланган пул. **Пўчоқча** *ёки* **писта пўчоқча** *кўчма с.т.* Зиғирча, озгина, қиттай. *Раис Жамолнинг гапини пўчоқча фаҳмламаганини билдирди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *[Нор:] Буғдойданми? [Кумуш:] Нимадан бўлса очиб гапираверинг! Юрагим шу тўғрида писта пўчоқча андиша қилмайди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПЎШАК [*ф.* پوشاک – кийим, либос; кўйлак] Кийим, либос; ёпинғич.

ПЎШТ *унд. с.* **1** Одамларни йўлдан қочириш учун қилинадиган хитоб. *Пўшт, арава келяпти!*

2 *этн.* Эркаклар бегона ҳовлига кирганларида, аёлларни яшириниш ҳақида огоҳлантириш учун айтиладиган хитоб. *Бодомбек, пўшт, деб девор тепасига чиқди-ю, қўшни ҳовлига қарамай, осилиб қолган ғиштни олди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Эшон, меҳмон эшик очмай туриб, отинойига қичқирди: «Пўшт! Пўшт!» Бу: «Эркак одам кираётипти, қочинг», деган сўз эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПЎШТПЎШТЛАМОҚ Одамларни йўлдан қочириш ёки панага ўтказиш учун «пўшт-пўшт» демоқ. *Отлиқ сарбозлар халқ орасида пўштпўштлаб борардилар.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. *Тирикчилик дардида қоп орқалаган деҳқонлар, қаёққадир шошаётган ёш-яланг ва юк тўла аравачасини итариб, пўштпўштлаётган киракашлар бу ҳаётнинг ажралмас, табиий қисми.* «Ёшлик».



РАБ(Б) [*а.* رَبّ – оллоҳ, худо; жаноб; ҳукмдор; хўжайин] *дин.* Худо, тангри, парвардигор. *Ё раббим!* ■ *-Кимсан, раббинг ким? – деди мункарнакир. -Уста Турдиали бўламан.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш. *Бергин шифои комил, ё рабб, ўзинг опамга, Кенгдир карамнинг, Аллоҳ, бергин шифо опамга.* Фозил қори, Ҳалол ва ҳаром.

РАББАНО [*а.* رَبّنا – бизнинг раббимиз] *дин.* Бизнинг раббимиз, тангримиз, худомиз. *Суйганим олдимга келди, Раббанодан ўргилай.* «Қўшиқлар». *Бир ўзига сиғиниб, Раббано, деб жўнади.* «Ойсулув».

Раббано бўлмоқ Парвона бўлмоқ, айланиб ўргилмоқ. *У ёз бўйи Мансур учун атайлаб ялпиз, «сариқбош», исириқ, яна аллақанақа гиёҳларни йиғиб юрар, «иҳ» деса, ҳозир ундан айрилиб қолаётгандай, бошида минг раббанно бўларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

РАББИЙ, ё раббий [*а.* رَبّى – менинг раббим] Ё худо, ё парвардигор. [*Қулмуҳаммад:*] *Балхда Дарвиш Али бош кўтарибди.* [*Гули:*] *Ё раббий! Алишер қаерда?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ё раббий, наҳотки ҳаммадан ҳам ажралиб қолсам, йўқ, йўқ!* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *-Ё раббий, дини исломга ўзинг қувват бер, – деб соқолини силади.* С. Зуннунова, Гулхан.

РАББИМСАН: раббимсан деб Худо ўзинг мадад бергин деб, зўр бериб. [*Йигитлар*] *Раббимсан, деб чунонам кетмон чопишдики, ҳаш-паш дегунча аллақанча ерни чўлдан юлиб олишди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

РАБИУЛАВВАЛ [*а.* ربيع‌الاوّل – *л.м.* аввал баҳор; баҳорнинг боши, аввалидаги ой] Қамария йил ҳисобида 30 кундан иборат учинчи ойнинг арабча номи. *..Хабарингиз борки, рабиулаввал ойига оз кун қолди, бу ерга Мирзо келиб, ишларни кўрмоқчилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

РАБИУЛОХИР [*а.* ربيع‌الآخر – *л.м.* охир баҳор; баҳорнинг охиридаги ой] *айн.* **рабиуссоний.**

РАБИУССОНИЙ [*а.* ربيع‌الثّانى – *л.м.* иккинчи баҳор; баҳорнинг сўнги] Қамария йил ҳисобида 29 кундан иборат тўртинчи ойнинг арабча номи. *Рабиуссоний ойининг йигирма учинчи куни Ҳиротда, жума намозидан чиқиб келаётган Шоҳрух мирзога суиқасд қилинди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

РАБОТ [*а.* رباط – мусофирхона; карвонсарой] *тар.* **1** Мустаҳкамланган қўрғонларда соқчилар турадиган жой ёки бир-биридан маълум масофада жойлашган истеҳком; қўрғон. *Мирзачўлдаги ҳар бир дарахт, уй.. работ жуда кўп номаълум қаҳрамонларни тилсиз ҳикоя қилиб бериши мумкин.* С. Акбарий, Шодлик давоми.

2 Савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил, карвонсарой. [*Навоий:*] *Ариқ қазмоқдамиз, чўлларда иш кўп. Работу мадраса, йўлларда иш кўп.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 Шаҳардан четроқдаги тураржой. *Шаҳарнинг меҳнаткаш ҳунармандлар яшайдиган янги қисми – работда ҳаёт қайнайди.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиш тарихидан. *Шунча йиллар тер тўкиб, кимсан – фалончи бўламиз, Энди қишлоқ менгами, работ бормайман, деди.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Дўстим, кечир гуноҳимни, Бориб кўр*

манзилгоҳимни, Оқ работга элтиб сени, Ювай рўйи сиёҳимни. «Авазхон». *Ҳоким яшайдиган ва бошқарув муассасалари жойлашган арк.. шаҳристон ҳамда унинг ташқарисида работ жойлашган бўлади.* Газетадан.

РАБТ [*а.* ربط – боғлаш, бириктириш; алоқа; белгилаш, қайд этиш] *эск.* Боғланиш, алоқа, алоқадорлик. *Дамашқ аш-Шомнинг Солиҳия қисми асл Шомға электрикли қўша трамвай ила рабт қилинган ва Шом марказига 30 дақиқалик йўлдир.* М. Беҳбудий, Қасди сафар.

РАБФАК [*р.* рабочий факультет – «ишчилар факультети» бирикмасининг қисқартмаси] *тар.* 1919–1936 йилларда ишчи ва деҳқонларни тезлик билан олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлаган махсус ўқув юрти. *Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростми?* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Шошилинч рабфакнинг биносига кўчиб ўтдик ва бир кунда уч сменалаб ўқий бошладик.* «Саодат».

РАВ [*ф.* رو – юриш, бориш, ҳаракат; йўл, тарз, усул] **1** Бир он, вақт, бир лаҳза, бир дам, бир зум. *Рав ичида шунча ишлар бўлиб кетибди.*

2 *рвш.* Қисқа вақтда, дарров, тез. *Рав келиб, рав кетмоқ.* ▬ *Мен рав бориб келаман. Андак кутасизлар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бир рав сиз билан учрашиб кетай, дедим.* Ойбек, О. в. шабадалар.

РАВЗА [*а.* روضه – ўтлоқ, кўкаламзор; боғ] *эск. кт.* **1** Гулзор, гулшан; боғ.

2 *кўчма* Боғ, чаман. *Қадининг хаёлин кўз асраб магар, Кўнгил равзасига ниҳол этадур.* Бобур.

3 Жаннат, беҳишт. *Дўстлар, жаннатни кўрмак истасангиз – марҳабо. Боғи эрам, равзадин бордир мисол Душанбада.* Уйғун, Тонг қўшиғи.

4 Равза (хотин-қизлар исми).

РАВИШ [*ф.* روش – юриш, рафтор; ҳаракат тарзи; усул, услуб] **1** Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг боришидаги ўзига хос хусусият; юриш-туриш тарзи. *Секретарь ҳавонинг равишини, ноз ва қилиқларини олдиндан сезишга интилар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ҳар неча пок, порсо равиш бўлсанг ҳам, ўзингни тариф қилмагилки, ҳеч киши сенинг гувоҳлигингни эшитмас.* Газетадан.

2 Усул, тарз, йўсин, шакл. *Баъзи янгиликдан сўнг, у пультда жойлашган сариқ рангдаги тугмани босиб қўярди – улар бир оз ўтмай ёзма равишда етиб келиши керак.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Шарқ ғазалиётида гўзаллик ўзига хос равишда тараннум этилади.* Ғ. Саломов, Таржима назарияси. *Бўлаётган гаплар бирон жойда ёзма равишда қайд қилинмасин.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 *тлш.* Иш-ҳаракатнинг белгисини, пайтини, ўрнини, ҳолатини, даража ва миқдорини билдирадиган сўз туркуми. *Ўрин-пайт равиши. Ҳолат равиши.*

РАВИШДОШ [*ф.* + *туркий* روشداش] *тлш.* Феълнинг равишга хос вазифага хосланган, иш-ҳаракатнинг белгисини кўрсатувчи функционал шакли. *Бу равишдош кўмакчи феъллар орқали конкрет замон маъносини билдиради.* «ЎТА».

РАВИШ-РАФТОР [*ф.* روشرفتار – юриш-туриш] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг боришидаги ўзига хос хусусият, юриш-туриш тахлити. *Қушларнинг равиш-рафтори. Кузнинг равиш-рафтори.* ▬ *Ислим барлос.. қушларнинг «равиш-рафтори» ҳақида қизиқ маълумотлар бермоққа бошлади.* Ойбек, Навоий.

РАВНАҚ [*ф.* رونق – ёруғ, нурли, ёрқин; аниқ, кўринарли] *кт.* **1** Порлаш, ялтироқлик; ҳусн, кўрк. *Энди кечалар тўпланиб, жумбоқ ечишлар тугаган, мадрасадан равнақ кетган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Тараққиёт, ривож, барқ уриш, гуллаб-яшнаш. *Миллий маданият равнақи. Равнақ топмоқ.* ▬ *Давлат фан равнақи учун ҳеч нарсани аямай, маблағ ажратса-ю, уни кимлардир талон-торож қилса.* С. Кароматов, Олтин қум. *Айни пайтда у миллий равнақ учун кенг имкониятлар яратади.* Х. Султонов, Ватан туйғуси. *Зеро, юрт тараққиёти, равнақи ҳар биримизнинг фидойилигимизга боғлиқ.* Газетадан.

РАВНАҚЛИ 1 *кт.* Порлоқ; кўркам.

2 Тараққий этаётган, ривожланаётган, гуллаб-яшнаётган. *Ривожланаётган равнақли ўлка. Ўзбекистон равнақли мамлакатлар қаторидан жой олмоқда.*

РАВО [*ф.* روا – йўл қўйилган, рухсат этилган, мумкин бўлган, мақбул] **1** Йўл қўйилиши мумкин бўлган; ўринли, жоиз. *Насиҳатим аччиқ, аммо даводир, Ҳарна десам, отангизман, раводир.* Ҳабибий.

2 Муносиб, лойиқ бўлган, тўғри келадиган; мос. *Кишиларга ҳама нашъу намо ҳар*

чоқ раво бўлса, Менга коҳиш насиб бўлмиш, сафони нораво тутмиш. С. Абдулла. *Агар сен бадавлат бўлсанг, қашшоқни дўст тутсанг, раводир.* «Қобуснома». *Юртимиз таянчи – азаматлар, ҳей.. Сизга ҳурмат раво, валламатлар, ҳей.* Миртемир, Асарлар.

Раво кўрмоқ 1) жоиз деб ҳисобламоқ, ўринли деб топмоқ. *Қилинган ишни раво кўрмоқ. Унинг у ерга боришини раво кўрмоқ;* 2) лойиқ, муносиб деб билмоқ, лойиқ топмоқ. *Сиз бўлсангиз, ўзингиз кўрган шундай оғир кунларни қизингизга ҳам раво кўриб ўтирибсиз.* С. Зуннунова, Олов. *Ўзинг севган нарсани одамларга ҳам раво кўр – саломат юрасан.* «Фан ва турмуш». *Раво кўр, юзингда бир хол бўлайин, Кўрсат аҒёрингни – завол бўлайин.* А. Орипов, Йиллар армони; 3) феъл бўлишсизлик шаклда келиб, "аямоқ", "арзимаслик" маъноларини ифодалайди. *Ўртоғингиз ҳужрасини биздан аямас, лекин бошқалар бизга ҳеч нимани раво кўрмайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳожатини раво қилмоқ** Ҳожатини чиқармоқ, тилагини амалга оширмоқ. *Ўғлон, мақсадинг не бўлса тутгайсан қалам, Чунки жумла ҳожатин бори раво қилди қалам.* Ҳамза.

РАВОН I [*ф.* روان – борувчи, ўтувчи; силлиқ, бир текис] **1** Бир текисда ва тўхтовсиз борадиган ёки бораётган, силлиқ. *Равон ҳаракат. Машина равон ишлаяпти. Ғўзалар равон ўсмоқда.*

2 Бир текисда, тинч оқаётган. *Равон сув. Оби равон. Унинг кўз ёши равон.* ▬ *Тўлқинлар шовуллар, сўнг оқар равон, Туташган беш денгиз, ўнлаб дарёлар.* Х. Расул. *Кечаси чархпалак янги жойга кўчирилди ва тонготарда даштга бир жўяк сув равон оқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кемалар равон оқиб кетишди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

3 Тўғри ва текис (йўл ҳақида). *Равон йўл. Ёмон йўлдош ёв бўлар, равон йўлда ғов бўлар.* Мақол. ▬ *Ҳаммаёқ серқатнов, равон йўл, ҳаммаёқ адил иморатлар, қасрлар, боғлар, фонтанлар..* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

4 Мантиқ ва услуб жиҳатидан пухта ва силлиқ, бир-бирига яхши боғланган. *Равон шеър. Равон услуб. Унинг нутқи равон. Равон ўқимоқ.* ▬ *Адолат шеърни равон, чиройли ўқиди.* С. Зуннунова, Олов. *Нутқи равон болаларнинг баҳолари, кўпинча, юқори бўлади.* «Саодат». *Муҳаррам равон гапирарди. Унинг бундай нутқни биринчи марта сўзламаётганлиги кўриниб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Янги ерда янги чаман яратган қизлар, Янграмоқда янги, равон куйларингиз-а!* Т. Тўла.

5 *кўчма* Силлиқ, бир текис. *Ҳа, ҳаёт равон эмас, Бордир пасту баланди.. Шу фикрга келганда, Яна боб тугалланди.* А. Мухтор, Асарлар. *Ақл ва бахт бирлашса, инсоннинг ҳаёт йўли равон бўлади.* Газетадан. *Бироқ ҳаётнинг равон йўлидан кўра сўқмоғи кўп.* С. Кароматов, Олтин қум.

6 Осон ва бир текисда ҳаракатланадиган, ишлайдиган. *Равон эшик. Чархи равон.*

7 *айн.* **равона.** *Девнинг аслаҳасин Шакар олади, Отланиб Шакарбек равон бўлади.* «Ширин билан Шакар».

Руҳи равон Жон, ҳаёт. *Фидойи халқим ўлсин танда жоним, Бўлиб қурбон сенга руҳи равоним.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳолимиз беҳад ёмондур, келмасанг ҳолим сўраб, Эй мени хуш меҳрибон, руҳи равоним, қайдасан?* Машраб, Девон. **Сарви равон** Сарвдек хушқомат ва юриши, ҳаракати ўзига ярашган, келишган. *Эй сарви равон, надур хаёлинг, Жон ўртади ваъдаи висолинг.* Нодира. *Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.* Бобур.

РАВОН II *с.т. қ.* **ровон.** *Равон панжарасида ўзини офтобга солиб турган мусича париллаб учиб бориб, кўча томонга тортилган электр симига қўнди.* С. Зуннунова, Кўк чироқ. *Хайри ундан жавоб кутмай, ой нури тушиб турган равон томон юра бошлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

РАВОНА [*ф.* روانه – борувчи, кетувчи жўновчи]: **равона бўлмоқ** 1) бирор томонга йўл олмоқ, жўнамоқ, кетмоқ. *Ҳожи бобо қистаб қўймади, бирга ўтириб, чой ичишдик. Кейин бозорга қараб равона бўлдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Кун қизий бошлагач, Аваз эшикка сардўз боғлаб, Полвонёп бўйидаги ўша салқин оромхонага равона бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўғлон эса аллақачонлар Бу оламдан бўлмиш равона.* Э. Воҳидов, Муҳаббат; 2) оқмоқ. *Ҳовуз суви.. оппоқ кўпиклар сачратиб, каналга равона бўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

РАВОНЛАШМОҚ *с.т.* Равон бўлмоқ, силлиқлашмоқ. *Машина зарб билан силтаниб, тағин шитоб билан олға интилди, салдан сўнг мотор товуши яна равонлашди.* «Шарқ юлдузи».

РАВОНЛИК Мантиқ ва услуб жиҳатдан пухталик, силлиқлик, тиниқлик. *Табиий шеъ-*

рий равонлик, фикрий бурролик ўрнини ўзаро мантиқан ёпишмайдиган сўзлардан тузилган ноқулай мисралар эгаллаган. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *«Бобурнома» халқ тилига яқинлиги, сўз ва ибораларнинг ихчам, пухта ва равонлиги билан машҳурдир.* «Фан ва турмуш».

РАВОТ *с.т. айн.* **работ 3.** *Томорқа десам, жонингиз чиқади. Одамлар бешикдаги боласигача жой олиб, равот тиклаб қўйяпти-ку.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

РАВОЧ *с.т. айн.* **ровоч.** *Тоғларингда шимидим равоч, Кетар бўлдим тағин ноилож.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар. *Равоч баргбандларининг қобиғини арчиб, «нўхат» усулида тўғрайсиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

РАВОҚ [*а.* رواق – пештоқ, пешайвон; ёпиқ йўлак; безакдор чодир] **1** Бинонинг олд томондаги, пештоқ ва устунлар билан безатилган қисми. *Боққа кирилгандан кейин тўғридаги янги ўрданинг дарвозаси, муҳташам.. тоқ ва равоқлар кўзни қамаштирар.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Пешайвон пештоқидан, Тоқилар равоқидан Чирт узилди бир уя.* Т. Тўла, Асарлар.

2 Ҳашаматли бино; сарой, қаср. *Ўзганинг тоқу равоқидан ўзингнинг айвонинг яхши.* Мақол. ▬ *-«Менинг давлатим хонларнинг давлатидан кам эмас», деб қизига яхши жойлардан арку равоқ қилиб, чиройли қизлардан қирқ канизак қилиб берди, – деди Оқишбой.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

3 *бнк.* Токча ва тоқнинг меҳроб шаклида бирлашган юқори қисми.

4 Ҳовли ёки боғ ўртасида тепаси ёпиқ қилиб тахтадан ишланган ойнабанд уй.

РАВШАН [*ф.* روشن – ёруғ, нурли, ёрқин; аниқ, кўринарли] **1** Ёрқин нур сочадиган; ёруғ, ёрқин. *Равшан чироқ. Равшан ёнмоқ.* ▬ *Олдинда қишлоқ чироқлари равшан порлаб, кўзни қамаштиради.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Яхши ёритилган, ёп-ёруғ. *Равшан тун.* ▬ *Кундек равшан истиқболинг, камол топ, республикам.* Ё. Мирзо.

3 Яхши кўрадиган, ўткир (кўз ҳақида). *Кўзим равшан. Кўзим равшан тортди.* ▬ *Равшан кўзларин ёшлаб, Урди қамчин қулочлаб.* «Маликаи айёр».

4 *кўчма* Аниқ, тушунарли, тушуниш осон бўлган. *Равшан фикр. Равшан жавоб. Фикри равшаннинг сўзи равшан.* Мақол. ▬ *Онанинг барча ташвишли ўйлари совун кўпигидай ўчди. Воқеа равшан эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Демак, масаланинг бир томони равшан, энди иккинчи томонини ўйлаб кўриш керак.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Элмуроднинг кўнглидан: «бу подшолар ҳам ёмон экан-да”, деган.. фикр ўтди, унинг гўдак ақли буни равшан ифодалашга ожиз эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *кўчма* Кўзга яққол ташланадиган; очиқ-ойдин, аниқ, яққол. *Равшан сурат.* ▬ *Ойлар, йиллар ўтиши билан менинг кўзимга бу нарса очиқ-ойдин, равшан кўрина бошлади.* «Ёшлик». *Ойдинда уларнинг паранжили иккита хотин эканлиги равшан кўриниб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 *кесим взф. кўчма* Яшириб, сир тутиб бўлмайди, маълум, ошкор. *Бунинг хатолиги равшан.* ▬ *-Аҳволимиз сизга равшан, – бемор йўтала-йўтала, чолга ишорат қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Равшан (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

Кўнгли (*ёки* **дили, таъби, табиати, дунёси) равшан бўлмоқ (***ёки* **топмоқ)** Кўнглида хафачилик ёки шубҳа аломати қолмаслик, кўнгли, дили ёришмоқ, кўнгли тинчимоқ. *[Ғуломжон] Отасининг хуррагини эшитиб, кўнгли равшан топди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Раҳматилла унинг хуш қабул қилишидан, муомалаларидан кўп саволларига жавоб топди, дунёси равшан бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Умид уйқудан кўз очиб, ғариб, аммо ҳаммаёғи чиннидек озода бир уйда бўлганидан кўнгли равшан тортди.* Мирмуҳсин, Умид. **Кўнглини (***ёки* **таъбини) равшан қилмоқ** Кўнгилдаги хафагарчиликни, шубҳани йўқотмоқ, кўнглини тинчитмоқ, кўнглини, дилини очмоқ. [*Холмат Рузвонга:*] *Бу – одамнинг таъбини жуда равшан қилади. Мана бу товуқ гўштидан олинг, жуда соз бўлибди-да.* Ҳамза, Ким ўғри?

РАВШАНЛАНМОҚ 1 Ёришмоқ, ёрқин бўлмоқ. *Чироқ равшанланди.*

2 *кўчма* Хурсанд бўлмоқ, очилмоқ. *-Навоийдан дилим равшанланади, – деди Аваз устозларига эҳтироми зўрлигини билдириб.* Ж. Шарипов, Хоразм.

РАВШАНЛАШМОҚ 1 Ёриша бормоқ, ёруғ бўлмоқ. *Хона равшанлашди. Тун равшанлашмоқда.*

2 Яхши кўрадиган бўлиб бормоқ, очилмоқ, равшан тортмоқ, тузалмоқ (кўз ҳақида). *Унинг кўзи равшанлашди.* ▬ *Уларга тикилиб тураркан, Марҳаматнинг кўзи равшанлашиб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

3 *кўчма* Аниқ, очиқ-ойдин бўлиб бормоқ, ойдинлашмоқ. *Масала равшанлашди.* ▬ *Эрининг феъли, мижоз-табиати кун сайин унга [Нурига] равшанлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўнгли равшанлашмоқ *айн.* **кўнгли равшан бўлмоқ** *қ.* **равшан.** *Елкасидан босиб турган ғам юки енгиллашиб, кўнгли равшанлашар экан, «тавба, нега шундай бўлар экан-а?» деб ўйларди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Солиев, Асрорнинг жавобларини эшитиб, кўнгли равшанлашди. Тўғри йўлга тушиб олганини ҳис этди.* «Ёшлик».

РАВШАНЛИК 1 *физ.* Ёруғлик манбаининг берилган йўналишдаги ёруғланишини ифодаловчи ёруғлик катталиги.

2 Ёруғлик, ёрқинлик. *Юлдузларнинг равшанлиги. Кўзнинг равшанлиги.* ▬ *Улуғбек юлдузларга кўзларини тикканда, Кўзимиз равшанлиги беш қуёшча бор эди.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Аниқлик, тиниқлик, осойишталик, мамнунлик. *Масалага равшанлик киритмоқ.* ▬ *Кундузги ишлар, ниҳоят, ресторандаги суҳбат унинг кўнглига равшанлик олиб кирди.* «Ёшлик». *Шу фикр миясига равшанлик бериб, яна тўхтади.* «Шарқ юлдузи».

РАГУ [*фр.* ragout] *кул.* **1** Майда тўғралган гўштдан қайла қўшиб тайёрланган егулик.

2 Гўшти чала шилинган суяк.

РАД(Д) [*а.* رَدّ – қайтиш, қайтариш; акс этиш; жавоб; *3-ш. бирл.* – **радди**] Инкор ёки қайтариш.

Рад бермоқ 1) чап бермоқ; чап бериб енгмоқ. *Қиличга бу рад бериб, Бошига сипарин тутди.* «Ширин билан Шакар». *Калтагини олиб ҳамла қилади, Калтакка рад бериб Баҳром туради.* «Баҳром ва Гуландом»; 2) қайтармоқ, даф қилмоқ. *Рад берарман кўкдан келган балога.* «Маликаи айёр». **Рад жавоби** Инкорни ёки қайтаришни, қабул этмаганликни билдирувчи жавоб. *Қизнинг рад жавоби йигит қалбига тушиб қолган ишқ чўғини шўх шамолдек алангага айлантирарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Маълум бўлишича, Замира, бошқаларга рад жавоби бергани учун, унга ҳам йўқ деган экан.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Рад этмоқ (***ёки* **қилмоқ)** 1) инкор қилмоқ. "*Ҳар бир гапида рад этиб бўлмайдиган мантиқ бор*", *деди у ўзига-ўзи.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) қайтармоқ, қабул қилмаслик. *Таклифни рад этмоқ.* ▬ *Унинг илтимосини рад этиш учун жиддий асос йўқ-ку.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Каромат Адҳамни қайтаргани, кузатиб қўяй, деганда таклифини рад қилгани яхши бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди; 3) қайтармоқ, даф этмоқ. *Этикчи бошини эгиб, бу ҳамлани рад қилди, бўлмаса, боши тарс ёрилар эди.* С. Айний, Қуллар; 4) воз кечмоқ. *Бироқ мулла Обид бой ва домлаларнинг қутқуси биланми ёки ўзининг диний таассуби орқасиданми, баҳарҳол, ерни рад қилди.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Радди бало** 1) балони қайтарувчи, даф этувчи. *Ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади: "Ҳей дўст, шайдулло баноми алло, садақа – радди бало".* А. Қаҳҳор, Бемор; 2) балога йўлиқувчи. *Жим тур сен, радди бало бу, – деди бригадир шофёрнинг изидан эргашиб.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *..бутун умидимиз Авазбекдан, деб айтишаркан, токи бу расвою радди бало бўлса, менинг ишларим чаппасига кетса.* М. М. Дўст, Лолазор. **Радди маърака** Жамиятдан сурилган, кишилар назаридан қолган. *Расвойи радди маърака одам.*

РАДАР [*ингл.* radar < radio detecting and ranging – «радио ёрдамида масофани излаб топиш ва аниқлаш» бирикмасининг қисқартмаси] *айн.* **радиолокатор.**

РАДДИ Рад(д) с. нинг изофа ҳолати ва 3-ш. бирл.

РАДДИЯ [*а.* ردّيه – инкор қилиш, рад жавоби] **1** Бирор хабар, маълумотни рад этувчи, уларнинг нотўғрилигини ёки асоссизлигини исботловчи расмий баёнот. *Ташқи ишлар вазирлиги раддияси.* ▬ *[Нусратбек] Охири Пайғамовнинг олдига кириб, норозилигини айтиб: -Редакцияга раддия юбораман, – деди.* С. Нуров, Нарвон. *Бир мажлисда ё раддия бериб улгурасан киши, ё улгурмайсан.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Суд жараёнида у чиқарган ҳукмга ҳеч ким раддия билдиришга ҳақи бўлмаган.* Газетадан. *Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилганда, зудлик билан корхонанинг мансабдор шахсига оғзаки раддия билан мурожаатларнинг ўзи истеъмолчининг ҳуқуқини тиклаш учун кифоя бўлади.* Газетадан.

2 Рад жавоби. *Бир ёқдан хушхабар.. юрагини орзиқтирса, иккинчи ёқдан раддия ваҳми қалбига наштар бўлиб санчилар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

РАДИАКТИВ *қ.* **радиоактив.** *Радиактив материаллар контрабандаси билан боғлиқ мазкур воқеа юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси жиноий иш очиб, ҳозир текширув олиб борилмоқда.* Газетадан. *Таркибида зарарли моддалар бор ёки йўқлигини ҳамда радиактив нурланишни аниқлашди.* Газетадан.

РАДИАЛ [«радиус» с.дан] Радиус бўйлаб йўналган, тарқалган. *Радиал нурлар. Радиал тезлик.*

РАДИАТОР [*лот.* radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] *тех.* **1** Ички ёниш двигателидаги совитувчи суюқлик ёки мой ҳароратини пасайтирувчи асбоб. *Самолёт радиатори.* ▬ *Иссиқда радиаторнинг суви «бақир-бақир» қайнаб, буғ пуркаб борарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Биноларни иситиш тизимида: ичида иссиқ сув ёки буғ айланадиган, чўян, пўлат, керамик қувурлардан иборат иситиш асбоби. *[Отамурод] Энгашиб, нималарнидир титкилай бошлади. Кейин радиатор тагига пақирчани қўйиб, унинг сувини оқизиб юборди.* М. Мансуров, Ёмби.

3 Иш пайтида қизиб кетадиган радиотехник элементларни совитувчи қурилма.

РАДИАЦИОН Радиацияга, нурланишга, нур сочишга оид. *Радиацион гигиена. Радиацион кимё. Радиацион ҳимоя.* ▬ *Институт олимлари радиацион моддаларни аниқловчи ускуна яратиб, республикамизнинг Ғишткўприк ва Олой божхона бекатлари ҳамда Тошкент аэропортига ўрнатдилар.* Газетадан.

РАДИАЦИЯ 1 [*лот.* radiatio — нурланиш < radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] Ядровий ўзгаришлар оқибатида вужудга келадиган электромагнит ва корпускуляр (майда заррачали) нурланишлар; Қуёш нурланиши, космик нурлар оқимлари. *Қуёш радиацияси.* ▬ *Мамлакатимизда ядро ва элементар зарралар физикаси, радиация физикаси бўйича фундаментал тадқиқотлар айниқса кенг ривожланди.* Газетадан. *Ҳомиладор аёл эрига шикоят қиляпти: ҳозир ҳамма жойда радиация бор..* Газетадан.

РАДИЙ [*лот.* radius — нур] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб радиоактив элемент; иссиқлик ва нур энергияси сочадиган кумушсимон оқ металл. *Радий билан даволаш.* ▬ *Қимматбаҳо металларга платина, палладий, радий, иридий, рутений, осмий ва уларнинг бир-бирлари ва бошқа оддий металлар билан қотишмалари киради.* «Фан ва турмуш».

РАДИКАЛ I [*лот.* radicalis — илдизга оид] **1** Радикализмга асосланган партия аъзоси ёки шундай партия тарафдори (*қ.* **радикализм 2**). *Радикаллар партияси.*

2 Туб ва кескин ўзгаришлар тарафдори. *Бизнинг душманимиз — террористларнинг радикал тармоғидир.* Газетадан. *Ҳозирча Туркиядаги радикал гуруҳларнинг биронтаси ҳам портлашни ўз бўйнига олмаган.* Газетадан.

РАДИКАЛ II [*лот.* radicalis — илдизга оид] **1** *мат.* Илдиз чиқариш амалининг белгиси ($\sqrt{\ }$) ва шу амалнинг натижаси, илдизи.

2 *ким.* Молекуладаги атомларнинг бир кимёвий бирикмадан иккинчи кимёвий бирикмага ўзгармасдан ўтадиган гуруҳи.

РАДИКАЛ III Қатъий, кескин, туб. *Радикал чоралар. Радикал ўзгаришлар.*

РАДИКАЛИЗМ [*лот.* radicalis — илдизга оид] **1** *сиёс.* Мавжуд давлат тузумини танқид остига олиб, радикал ўзгаришлар ваислоҳотлар ўтказишни талаб этувчи сиёсий оқим. *..диний фундаментализм ва радикализмни тамомила рад этиш иштиёқи тобора яққол намоён бўлмоқда.* Газетадан.

2 Назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда радикал усуллар — туб ва қатъий чоралардан фойдаланиш; қатъий ҳаракат талаб қилиш ва уларни қўллаш.

РАДИКУЛИТ [*лот.* radicula — илдизча, томирча + itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Орқа мия нервлари илдизчаларининг орқада, бўйин ва белда қаттиқ оғриқ билан намоён бўладиган яллиғланиши. *Радикулит касаллиги. Радикулити тутиб қолмоқ. Радикулит билан оғримоқ.*

РАДИО [*лот.* radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] **1** Сигнал, овоз каби ахборотларни маълум масофага электромагнит тўлқинлар ёрдамида симсиз узатиш ва қабул қилиш усули. *Радио орқали бошқариш. Радио алоқаси.* ▬ *Радио, кино, телевидение ҳаётга чуқур кириб борган ҳозирги шароитда ҳам бадиий асарларга эҳтиёж ортиб бораётгани*

шундан далолат беради. У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Фан ва техниканинг ушбу усул асосидаги физик ҳодисаларни ўрганиш, бу усулдан турли соҳаларда кенг фойдаланиш билан боғлиқ соҳаси.

3 Оммавий ахборот воситаларидан бири – матнни ва мусиқий дастурларни эшиттириш; радиоэшиттириш. *Аммо Азизхон бўлаётган воқеаларга бепарво. Ким қанча ишлаяпти, радио нималар деяпти – қизиқмасди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Уйда радио эшитиб ўтирган Мақсуда шовқин-сурон билан эшикни тарақлатиб очиб, ташқарига отилди.* С. Зуннунова, Олов.

4 *с.т.* Радиоприёмник; репродуктор. *Фақат кўча бетидаги симёғочда радио чўлни бошига кўтариб гапирарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *[Яхшибоев:] Ҳозирги чўпонлар нуқул бўйнига кичкина радио осиб юришади. Лекин менинг отам дўмбира чаларди.* М. М. Дўст, Лолазор.

РАДИО- [*лот.* radiare – нур чиқармоқ, тарқатмоқ] **1** Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, радиога (1-маъносида) оидликни, радио билан боғлиқ эканликни билдиради. (мас., *радиоаппарат, радиогазета*).

2 Ўзлашган қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, радийга, радиацияга, радиоактивликка алоқадорликни, оидликни билдиради (мас., *радиоактивлик, радиобиология, радиология*).

РАДИОАКТИВ [радио.. + *лот.* activus – фаол, ҳаракатчан] **1** Радиоактивликка оид. *Радиоактив парчаланиш.* ▬ *Бу улкан аппарат.. радиоактив парчаланиш маҳсулотлари ҳосил бўлишини ўрганишда, ҳатто жисмоний ишларни текширишда катта фойда бераётир.* «Фан ва турмуш».

2 Радиоактив хусусиятга эга бўлган. *Радиоактив элементлар. Радиоактив изотоплар. Радиоактив рудалар.* ▬ *Радиоактив материаллар контрабандаси билан боғлиқ мазкур воқеа юзасидан ҳозир текширув олиб борилмоқда.* Газетадан. *Фан ва техникада ҳам радиоактив, ҳам турғун изотоплардан турли мақсадларда кенг фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

РАДИОАКТИВЛИК Баъзи кимёвий элементлардаги беқарор атом ядроларининг элементар зарралар, ядровий нурлар чиқариши билан бир вақтда содир бўладиган ўз-ўзидан парчаланиши ва б. элементлар ядроларига айланиши.

РАДИОАЛОҚА [радио.. + алоқа] Радиотўлқинлар ёрдамида амалга ошириладиган алоқа, радио орқали алоқа қилиш. *Самолёт синиқларини текшириб, радиоалоқаларни қайта эшитишди ва гувоҳларни сўроқдан ўтказишди.* Газетадан.

РАДИОАППАРАТ [радио.. + аппарат] Радио тўлқинларини қабул қилиб олиш ёки узатиш учун хизмат қиладиган аппарат.

РАДИОБИОЛОГИЯ [радио.. + биология] Биологиянинг радиоактив нурланишнинг тирик организмлар, уларнинг уюшмалари ва умуман биосферага таъсирини ўрганувчи бўлими. *Ҳозирда радиобиология амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда.*

РАДИОГРАММА [радио.. + *юн.* gramma – ёзув] Радио орқали олинган ёки берилган хабар. *Майор радиограммани тағин бир марта кўздан кечиргандан кейин навбатчига буюрди: -Жанговар тревога эълон қилинг, сержант!* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Шу кеча душман полки дислокация қилинаётгани ҳақидаги радиограмма қўлга туширилди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

РАДИОЖУРНАЛ [радио.. + журнал] Радио орқали эшиттириладиган оғзаки журнал. *Бунгача Толибой Алимов радиода мухбир, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, «Табассум» радиожурналининг муҳаррири лавозимларида 33 йил ишлабди.* Газетадан.

РАДИОЗОНД [радио.. + зонд] Ҳаво шари (зонд) ёрдамида кўтарилиб, атмосферанинг юқори қатламларидаги ҳаво ҳарорати, босим ва намликни ўлчаш ва бу ҳақда радио орқали маълумот бериб туриш учун хизмат қиладиган метереологик асбоб. *Ҳозирги вақтда турли мамлакатлар атмосфера қатламларидаги босим, температура ва намликни ўлчашда.. радиозондлардан фойдаланмоқдалар.* «Фан ва турмуш».

РАДИОКАНАЛ [радио.. + канал] **1** Муайян радиоэшиттириш учун ажратилган частоталар доираси.

2 Радиоузаткич, радиоалоқа линияси ва радиоприёмникдан иборат алоқа канали. *Ҳозирги кунда кўпчилик радиоканалларга қулоқ тутади, интернетни ковлайди.* Газетадан. *Очиғи, «Ёшлар», «Пойтахт», «Замин».. радиоканалларидан бошқа радиостанциялар ва тижорат телеканалларида эртаю кеч*

тинмасдан айлантириляпти бу каби шовқинли мусиқалар. Газетадан.

РАДИОКАРНАЙ [радио.. + карнай] Радиоэшиттиришларни қабул қилиб олиб, баланд, кучли товушда эшиттирадиган электроакустик ёки механик мослама; репродуктор. *Радиокарнай ғириллаб туриб, бирдан гапира бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эшикнинг тепасидаги радиокарнай эртадан кечгача тинмайди.* «Шарқ юлдузи». *Радиокарнай орқали чақирилиб, бир нафар ёшлар имтиҳон залларига кириб кетишди.* Мирмуҳсин, Умид.

РАДИОКИМЁ [радио.. + кимё] Кимёнинг радиоактив элементлар ва изотоплар хоссаларини, уларни ажратиб олиш, тўплаш ва турли фан соҳаларида қўллаш усулларини ўрганувчи бўлими.

РАДИОКОМИТЕТ [радио.. + комитет] *эск.* Радио эшиттиришлар бўйича давлат комитети. *Туроб Тўла радиода диктор бўлиб ишлар экан, Жонрид акани маънавий фарзандидек қабул қилиб, радиокомитетнинг бурчагидан ҳужра ҳам топиб берибди.* Газетадан.

РАДИОЛА [*лот.* radiare – нур чиқармоқ, тарқатмоқ] Радиоприёмник ва электр патефон деталлари бирга қўшилган радиоаппарат. *Анорхон радиолага пластинка танламоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

РАДИОЛАШМОҚ Радио орқали қабул қилиш ёки узатиш қурилмалари билан таъминланмоқ, жиҳозланмоқ. *Қишлоғимиз ёппасига радиолашди.*

РАДИОЛОГ Радиология мутахассиси; радиология соҳасидаги врач.

РАДИОЛОГИЯ [радио.. + *юн.* logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг ионловчи нурлардан касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда фойдаланиш назарияси ва амалиётини ҳамда ушбу нурларнинг биологик таъсирини ўрганувчи бўлими.

РАДИОЛОКАТОР [радио.. + локатор] Узоқдаги объектларнинг, мас., самолёт, кема ва ш. к. нинг қаердалигини улардан қайтган радиотўлқинлар ёрдами билан топадиган, аниқлайдиган асбоб, радар. *..Бундай аппарат, радиолокатор сифатида, учиб келаётган бомбардимончи самолёт ва ракеталарни осмондаги бошқа учар объектлардан ажратган ҳолда, улар тўғрисида аниқ информация бериши мумкин.* «Фан ва турмуш».

РАДИОЛОКАЦИЯ [радио.. + *лот.* locatio – жойлаштириш, ўрнаштириш] **1** Узоқдаги объектларнинг, мас., самолёт, кема ва ш.к. нинг қаердалигини улардан қайтган радиотўлқинлар ёрдами билан топиш, аниқлаш, фарқлаб ажратиб олиш усули ва воситалари. *Исроил ўзининг ҳарбий самолётлари Сурияниng радиолокация станциясини бомбардимон қилганлигини расман тан олди.* Газетадан.

2 Фан ва техниканинг қуруқлик, сув ва фазодаги объектларни радиотехник усул воситасида топиш ва турган жойини аниқлаш билан шуғулланувчи соҳаси.

РАДИОМАРКАЗ [радио.. + марказ] Радиоалоқа ва радиоэшиттиришни амалга ошириш учун мўлжалланган иншоотлар ва техник воситалар мажмуи.

РАДИОМЕТР [радио.. + метр] **1** Электромагнит нурланиш энергиясини ўлчайдиган асбоб.

2 Радиоактив манбалар фаоллигини ўлчайдиган асбоб.

3 Товуш нурланишлари босимини ва товуш майдонининг бошқа сифатларини ўлчайдиган асбоб.

РАДИОНАВИГАЦИЯ [радио.. + навигация] **1** Учиш аппарати ёки кеманинг қаердалиги ва йўналишини радиотехник воситалар ёрдамида аниқлаш.

2 Навигациянинг кемалар, учиш аппаратларини бошқариш назарияси ва амалиётини радиотехник воситалар ёрдамида ўрганувчи ва ишлаб чиқувчи бўлими.

РАДИОПЕРЕДАТЧИК [радио.. + *р.* передатчик – узаткич, узатувчи] *қ.* **радиоузаткич.** *Йўлдошга ўрнатилган «Маяк» радиопередатчиги ҳозир ҳам пухта ишлаб турибди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

РАДИОПОРТЛАТГИЧ Радиолокацион усул билан снаряд, бомба ва ш. к. ни портлатувчи қурилма.

РАДИОПРИЁМНИК [радио.. + приёмник] Радио орқали бериладиган товуш ва сигналларни қабул қиладиган аппарат. *Қаердадир, йироқда радиоприёмник вағиллайди.* С. Зуннунова, Олов. *У радиоприёмник қулоғини буради.* «Ёшлик».

РАДИОРЕПОРТАЖ [радио.. + репортаж] Бевосита жойнинг ўзидан (стадион, завод, фабрика ва ҳ. к. дан) олиб берилган эшит-

тириш. *Стадиондан футбол ҳақида радиорепортаж эшиттирилди.*

РАДИОСИГНАЛ [радио.. + сигнал] Радио орқали берилган сигнал.

РАДИОСПЕКТАКЛЬ [радио.. + спектакль] Радио орқали эшиттиришга мослаштирилган, шу мақсадда ёзиб олинган спектакль. *Ҳозирги кунда ҳам радиотингловчилар мириқиб эшитадиган «Ўтган кунлар», «Уфқ», «Ёртиқулоқ» сингари радиоспектакллар айнан Убай ака раҳбарлик қилган йиллари магнит лентасига туширилган эди.* Газетадан.

РАДИОСТАНЦИЯ [радио.. + станция] Радиотўлқинларни узатувчи ёки қабул қилувчи мослама ва қурилмалар мажмуи ҳамда улар ўрнатилган жой, бино. *Туманларда кўплаб янги радиостанциялар қурилмоқда.*

РАДИОСТУДИЯ [радио.. + студия] Радиоэшиттириш учун махсус жиҳозланган бино. *Ҳозирги кунда радиостудиялар янги, замонавий жиҳозлар билан таъминланган.*

РАДИОТЕЛЕГРАФ [радио.. + телеграф] **1** Махсус радиоалоқа линияси ва радио орқали хабар узатувчи алоқа тизими.

2 Шундай алоқа мосламалари жойлашган бино. *Замонавий радиотелеграфлар қурилмоқда.*

РАДИОТЕЛЕСКОП [радио.. + телескоп] Осмон жисмларининг хусусий радионурланишларини қабул қиладиган ва бу манбаларнинг хоссаларини ўрганадиган астрономик асбоб.

РАДИОТЕЛЕФОН [радио.. + телефон] Оғзаки хабарларни радиотўлқинлар воситасида узатувчи алоқа тизими ва шу тизим асосида ишлайдиган телефон. *Шу заҳоти радиотелефондан бир дўстига телефон қилиб, бизнинг дардимизни тушунтирди.* Х. Султон, Бобурийнома.

РАДИОТЕРАПИЯ [радио.. + терапия] Ионловчи нур билан даволаш усули. *Ўсма касаллиги кўпинча радиотерапия усули билан даволанмоқда.*

РАДИОТЕХНИК [радио.. + техник] **1** Радиотехника мутахассиси.

2 Радиоаппаратларни ўрнатиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи мутахассис.

РАДИОТЕХНИКА [радио.. + техника] **1** Юқори частотали электромагнит тебранишлар ва радиотўлқинлар ҳақидаги — уларни пайдо қилиш, кучайтириш, узоққа радиосигналлар бериш, радио нурлантириш, қабул қилиш ва турли соҳаларда қўллаш усуллари ҳақидаги фан. *Ҳозирги армиялар ядро қуролига, хилма-хил ракета техникасига, радиотехника ва электрон-ҳисоблаш аппаратларига, космик ва сув ости атом кемаларига эга бўлди.* «Фан ва турмуш».

2 Техниканинг ахборотларни узатишда радиотўлқинлар ва электромагнит тебранишларни қўллайдиган тармоғи.

РАДИОТИНГЛОВЧИ *қ.* **радиоэшитувчи.** *У тайёрлаган туркум эшиттиришлар радиотингловчилар эътиборини қозонди.* Газетадан. *Ҳозирги кунда ҳам радиотингловчилар мириқиб эшитадиган «Ўтган кунлар», «Уфқ», «Ёртиқулоқ» сингари радиоспектакллар айнан Убай ака раҳбарлик қилган йиллари магнит лентасига туширилган эди.* Газетадан.

РАДИОТЎЛҚИНЛАР [радио.. + тўлқин] Радиоэшиттиришда: сигналларни узатишда фойдаланиладиган электромагнит тўлқинлар. *Юзлаб телеканаллар, радиотўлқинлар орқали ахборотлар тарқатилди.* Газетадан.

РАДИОУЗАТКИЧ [радио.. + узаткич] Нутқ, товуш, сигнал кабиларни, радиоэшиттиришларни электромагнит тўлқинлар тарзида узатувчи қурилма.

РАДИОУЗЕЛ [радио.. + *р.* узел — *айн.* **тугун**] Бирор жой аҳолиси ёки корхона, ташкилот ходимларига марказий радиостанциялар дастурини олиб эшиттирадиган ҳамда маҳаллий эшиттиришлар олиб борадиган симли радио тармоғи ва унинг маркази. *Штаб радиоузелидан тинмай қурувчилардан тартиб сақлашни, ўзбошимчалик қилмасликни сўрашарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Радиоузел юракни ўртовчи мақом куйларини тинмай эшиттириб турибди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

РАДИОФИЗИКА [радио.. + физика] Физиканинг радиотўлқинлар ва электромагнит тўлқинларнинг уйғониши (қўзғалиши), тарқалиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ жараёнларни ўрганадиган тармоғи.

РАДИОЧИ *қ.* **радист.**

РАДИОЭЛЕКТРОНИКА [радио.. + электроника] Фан ва техниканинг радиотехника ва электроника асосида ўсиб ривожланган айрим тармоқларининг умумий номи. *Ёш шоирлар ва журналистлар клуби, либос-дизайн, тасвирий санъат, ёғоч ўйма-*

корлиги, радиоэлектроника, шахмат клуби шулар жумласидандир. Газетадан.

РАДИОЭФИР [радио.. + эфир] Радиотўлқинлар тарқаладиган ҳаво, фазо. *Афтидан, эшиттириш радиоэфир орқали бир зумда ҳавога учади-кетади, биров билиб ўтирибдими, деган хаёлга боришса керак-да.* Газетадан.

РАДИОЭШИТТИРИШ Оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос электрон техникага асосланган тури; радио орқали олиб борилган эшиттиришларнинг ўзи.

РАДИОЭШИТУВЧИ Радио орқали берилган эшиттиришларни тингловчи.

РАДИОҲАВАСКОР Радиотехника билан — радиоприёмник, телевизор ва ш. к. лар қуриш, ясаш, радиоалоқа тажрибалари ўтказиш ишлари билан ҳаваскор сифатида шуғулланувчи киши. *Радиоҳаваскорлар тўгараги.*

РАДИСТ Радиоаппаратни бошқарувчи, радио орқали хабарлар узатувчи ва қабул қилувчи мутахассис. *Радист югуриб келиши билан буюрди: -Фронтга дарҳол хабар қил, Клязьмага самолёт чақир.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мўмина Ғиёсова шаҳар ички ишлар бошқармаси қошида очилган алоқачи-радистлар курсини тугаллаб, фронтга бориш йўлланмасини олди.* «Саодат».

РАДИУС [*лот.* radius — нур] *мат.* Айлана ёки шарнинг бирор нуқтасини унинг маркази билан туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси.

РАДИФ [*а.* ردیف — бирор нарсанинг ортидан, кетидан келувчи] *ад.* Шарқ халқлари шеъриятида мисра ёки байт охирида асосий қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўз, ибора ёки гап.

РАДОН [*лот.* radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига — инерт газлар гуруҳига мансуб, радийнинг парчаланишидан ҳосил бўлган радиоактив элемент. *[Бу жараён] Ер ости қатламидаги элементларнинг, шу жумладан, радиоактив газ бўлмиш радоннинг юқорига кўтарилишини тезлаштиради.* «Фан ва турмуш».

РАЁСАТ [*а.* رياست — раислик қилиш, президентлик; президиум] *кт.* **1** Мажлис ёки кенгашга раҳбарлик қилиш учун сайланган бир гуруҳ кишилар; президиум. *Раёсатга Рафиқов, Собиров, Берди татар, Мардонбой, Мирсоатлар сайланиб, мажлисни Собиров олиб борди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Азмиддин ўрнидан туриб, суд раёсатига қараб алланима деб бақирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Давлат ҳокимияти органи. *Пленум ва Раёсат муҳокамасига, қонунга биноан, уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалалар киритилади.* Газетадан.

3 Баъзи ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлик органи. *Мажлисда Олий аттестация комиссияси раёсатининг аъзолари.. иштирок этди.* Газетадан. *Бу хатоларга вилоят судининг судлов ҳайъати ва раёсати ҳам эътибор бермайди.* Газетадан. *Раёсатимиз қарорига кўра, биз ҳар йили Бобур мирзо таваллуд топган муборак кунда унинг илмий меросига бағишлаб халқаро илмий анжуман ўтказишимиз лозим.* Газетадан.

РАЁҲИН [*а.* رياحين — «райҳон» с. нинг кўпл.] *эск. поэт.* Райҳонлар; хушбўй ўсимликлар.

РАЖАБ [*а.* رجب < «қўрқмоқ» фл. дан] **1** Қамария йил ҳисобида 30 кундан иборат еттинчи ойнинг арабча номи. *Ойлар «рабиуссоний», «ражаб» деган номлар билан аталади.* «Фан ва турмуш».

2 Ражаб (эркаклар исми).

РАЖАЗ [*а.* رجز — мақтов, ўз-ўзини мақташ; арузда шеър ўлчовларидан бири] Аруз шеър тизимидаги 19 та баҳрдан бири.

РАЖМ [*а.* رجم — тошбўрон (қилиш)] *дин.* Тошбўрон қилиш; фақат зино қилганлик, фаҳш ишлар билан шуғулланганлик учун қўлланадиган қатл тури. *Ражм фақат суд хулосасига биноан, қози ёки унинг вакили назорати остида амалга оширилади.* «Ислом. Энциклопедия».

РАЖО [*а.* رجاء — умид, орзу; ишонч; илтимос] *эск. кт.* Умид, орзу, тилак; илтимос, ўтинч. *Ражо қилмоқ (этмоқ).*

РАЗВЕДКА [*р.* разведать — «суриштириб, текшириб билмоқ, қидириб топмоқ» фл. дан ясалган от] **1** *геол.* Ер ости бойликларини қидириш. *Битта янги газ-конденсат кони разведка қилинади ва очилади.* Газетадан. *Ҳатто олтин учун қидирув ва разведка ишларини ҳам шу нуқтаи назар асосида олиб бориб, давлатнинг юз минглаб сўм маблағини кўкка совуряптилар.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *ҳарб.* Душман ва унинг қўшинлари, уларнинг кучи, жойлашиши тўғрисида маъ-

лумот тўплаш учун айрим ҳарбий гуруҳлар, бўлинмалар ёки жангчилар томонидан олиб бориладиган тезкор иш, ҳарбий ҳаракат. *Разведка қилмоқ. Разведкага чиқмоқ.* ▬ *Разведкага юбориб, душманнинг кучи, техникасини аниқлаш зарур бўлиб қолди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ҳар бир кўнгилли отряд разведка ишлари олиб борар, душман кучларини аниқларди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Шундай иш олиб борувчи ҳарбий қисм, бўлинма.

4 Ўзга мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатини ҳамда ҳарбий имкониятларини ўрганиш билан шуғулланувчи ташкилот.

РАЗВЕДКАЧИ 1 *ҳарб.* Разведка ишлари билан шуғулланувчи киши (*қ.* **разведка 2, 4**). *Довюрак разведкачи.* ▬ *Разведкачиларни ҳамиша бургутга қиёс қилиб келишган.* Газетадан. *Разведкачи жангчилар бу галги синов машғулотларида ҳам текширувчи комиссия аъзоларининг олқишига сазовор бўлишди.* Газетадан.

2 Разведка учун белгиланган самолёт ёки кема. *Разведкачи самолёт.*

3 *геол.* Қидирувчи. *Нефть разведкачилари.* ▬ *Мен Қизилқум тагида яширинган беҳисоб бойликни топган ўша разведкачиларни қидириб, геологлар шаҳарчаси — Муринтовга бордим.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

РАЗВЁРТКА [*р.* развертеть — «бураб бўшатмоқ; бурайвериб кенгайтирмоқ» фл. дан ясалган от] Металл деталларнинг тешикларига тоза ишлов бериш учун мўлжалланган кўп тиғли асбоб.

РАЗЗОҚ [*а.* رزّاق — яшаш учун маблағ, бойлик берувчи] **1** *дин.* Ризқ-рўз берувчи (Оллоҳнинг сифатларидан бири).

Ё раззоқ! Оллоҳга мурожаат шакли: етишмаган ёки жуда кам нарсани Оллоҳнинг ўзи кўпайтириб, етказиб беришига ишонч ёки бўлажак ишларга Оллоҳ мададкор маъносида қўлланади. ▬ *Эрталаб думалаб турайлик-чи, кейин бувим айтмоқчи, «ё раззоқ!».* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Икки ҳафтага етадиган бўлди, у ёғи — ё раззоқ, — деди аям.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди. *..Ўша довонга етайлик, у ёғи — ё раззоқ!* Х. Султон, Бобурийнома.

2 Раззоқ (эркаклар исми).

РАЗИЛ [*а.* رذيل — пасткаш, палид; ахлоқсиз, бузуқ] **1** Кишини жиркантирадиган; ярамас, қабиҳ, паст, тубан. *Разил одам. Разил хатти-ҳаракат. Разил ниятлар.* ▬ *Одамлар разил ниятли кимсаларга ҳам хизмат қилавериши мумкин.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин Нечун кўпдир ҳалигача разил одамлар.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Манфур, малъун. *Разил душман.* ▬ *Разил, маккор, ярамас Гитлер дастидан Ватан таҳликада қолмишдир энди.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

РАЗИЛЛАШМОҚ Тобора разил, қабиҳ бўлиб бормоқ, разиллик, пасткашлик йўлига ўтмоқ.

РАЗИЛЛИК 1 Пасткашлик, тубанлик, нокаслик. *Бу қандай разиллик, қандай пасткашлик ахир?* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Дунёдаги барча разиллик, барча қабоҳат рамзи сифатида сени гўрга тиқмагунимча еганим ҳаром!* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Разил хатти-ҳаракат, разолат. *Разиллик қилмоқ.* ▬ *Ватанни тарк этувчи ҳар қандай киши разиллик қилувчидир.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Бироқ дунёда адолат бўлса, шунча ёмонликлар қилган Аҳмад Танбалдан ҳаёт нега қасд олмайди? Шундай разилликлар қилган одам..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

РАЗИЛОНА [*а.* + *ф.* رذيلانه — разилларча] *рвш.* Разилларга хос бир равишда; разилларча. *Разилона ҳаракат. Разилона иш.*

РАЗМ I [*ф.* رزم — уруш, жанг; олишув]: **разм солмоқ** *ёки* **разм солиб қарамоқ** Назар солмоқ, синчковлик билан кузатмоқ, диққат билан қарамоқ, кузатмоқ, кўздан кечирмоқ. *Самандаров унга бошдан-оёқ разм солди-ю, бошқа гап сўрамади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Онахон ҳовлидаги ўзгаришларга разм солди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Яхшилаб разм солинса, тиниқ қопқора кўзлари ҳамма вақт ҳозиргидай қувноқ, юзларида аллақандай иссиқлик бўртиб тургандай.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

РАЗМ II [*ф.* رزم — уруш, жанг; олишув] Уруш, жанг. *Базмда даъволари ҳотамлиқ, размда талашлари рустамлиқ.* А. Навоий, Маҳбубул-қулуб.

РАЗМЕР [*р.* размерить — «ўлчамоқ; чамаламоқ» фл. дан: ўлчам] Уст-бош, пойаб-

зал ва ш.к. нинг катта ёки кичиклигини билдирувчи ўлчов, номер. *Маҳкам ҳам Очил каби энди йигирма иккига қадам қўйган.. кийимни ҳам Очилдан икки размер катта кияди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

РАЗОЛАТ [*а.* رذالت – пасткашлик, қабиҳлик] Ярамас, жирканч хатти-ҳаракат, қабиҳ, разил иш; тубанлик, разиллик. *Гўдак қалби оқ вараққа ўхшатилади. Агар она ўзининг теран аллалари билан шу вараққа эзгулик ва нафосат мисраларини туширa борса, унда разолат ва қабоҳатга ўрин қолмайди.* «Саодат». *Меҳрдан жаннатга айлансин бағир, Разолатни ютсин жаҳаннамий чоҳ.* А. Исроилов, Биз - дунё одамлари. *[Зуҳра:] Айни ўрни-да! Сен менинг оғзимга урма! Бундай разолатни кўра туриб, юз буриб кетолмайман.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.

Разолатга тушмоқ Тубанликка юз тутмоқ.

РАЗРЯД I [*р.* разряд – тур, туркум, гуруҳ; даража < разрядить – «бўлмоқ, тақсимламоқ» фл. дан] **1** Предмет, ҳодиса кабиларнинг ўзаро бирор белги ёки ўхшашлигига кўра тури, даражаси, тоифаси. *Иш разряди. Тариф разряди.*

2 Касб-ҳунар, ихтисос, спорт ва ш.к. бўйича расмий тасдиқланган малака, маҳорат даражаси. *Иккинчи разрядга эга бўлган дурадгор. Шахмат бўйича биринчи разряд олмоқ.* ▬ *Бугундан бошлаб шахмат конкурсида спорт разряди олган ишқибозларнинг номларини эълон қилиб борамиз.* Газетадан. *Маҳорат кўрсатганларга тегишли спорт разрядлари берилади.* Газетадан. *Ҳарбийда бокс спортига қизиқиб, разрядни ҳам олибди.* Мирмуҳсин, Умид.

РАЗРЯД II [*р.* разрядить – «ўқсизлантирмоқ, электрсизлантирмоқ» фл. дан] *физ.* Электр зарядини йўқотиш, зарядсизланиш, электрсизланиш. *Разряд токи.* ▬ *Ҳозир олимлар, электр разряди илоннинг асаб системасини ишдан чиқаради, деган хулосага келмоқдалар.* Газетадан.

РАЗРЯДЛИ Бирор разрядга, даражага эга бўлган. *Олтинчи разрядли токарь. Биринчи разрядли шахматчи.* ▬ *Хотиржам бўлинг, разрядли устамиз, боплаймиз.* С. Аҳмад, Сайланма. *Ҳозир билим даргоҳида 265 оммавий разрядли спортчи бор.* Газетадан.

РАЗРЯДЧИ Разрядга эга бўлган шахс. *Спортчилар орасида ўнлаб жамоатчи инструкторлар, тренерлар, разрядчилар етишиб чиқди.* Газетадан.

РАЗЪЕЗД [*р.* разъехаться – «бошқа-бошқа ёққа кетмоқ; тўқнашмай бир-бирининг ёнидан ўтиб кетмоқ» фл. дан ясалган от] **1** *т. й.* Қарама-қарши томондан келаётган поездларнинг ўтиб кетиши учун йўлнинг иккига ажралган жойи; шундай жойдаги кичик станция. *Поезд ярим тунда Мирзачўлнинг бир разъездига бориб тўхтади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Станциядан ўн беш километр наридаги разъездга етганда, паровоз тормоз берди.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.

2 *ҳарб.* Разведка ёки соқчилик учун юборилган кичик отлиқ қисм.

РАИС [*а.* رئيس – раҳбар, бошлиқ, сардор, бошқарувчи] **1** Баъзи орган, ташкилот, идора, жамият ва ш.к. нинг бошлиғи, раҳбари. *Ашурхон, раиснинг бевақт келишидан чўчиганиданми ё ўзининг гуноҳкорлигини билганиданми, аввал бир оз ўзини йўқотган бўлса ҳам, дарров ўнглаб олди.* С. Зуннунова, Олов. *Маҳаллий комитет раиси топшириқларни ўз вақтида бажариш учун қанчадан-қанча вақт кетишини ўйлаган эди.* Газетадан.

2 Мажлисни бошқарувчи шахс. *Мажлис раиси.* ▬ *Нутқ.. давомида раис мажлис аҳлини икки марта тартибга чақирди.* А. Қаҳҳор, Нутқ.

3 *тар.* Диний маросим ва урф-одатларнинг бажарилишини кузатиб борувчи, шунингдек, ўлчов ва тош-тарозиларнинг тўғрилигини текширувчи мансабдор шахс. *Ақлим олган заргар қизи, Муфтий, аълам, раис, қози, Тенгдошларим, хуш қол энди!* «Баҳром ва Гуландом». *Ўқи! Ҳар қандай қийинчилик билан бўлса-да, ўқи! Лекин қози бўлма! Раис бўлма! Имом бўлма! Агар мударрис бўлсанг, майли.* С. Айний, Эсдаликлар.

РАИСА 1 [*а.* رئيسه] Раис аёл. *Колхоз раисаси.*

2 Раиса (хотин-қизлар исми).

РАИСДОШ Биргаликда раислик қилувчи. *Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов ва таниқли тожик адиби Масъуд Муллажонов жамоатчилик қўмитасининг раисдошлари этиб сайландилар.* Газетадан.

РАИСЛИК Раҳбарлик, бошлиқлик; бошқарувчилик иши. *Мен маҳалламизнинг «қулуб»ига кириб келганимда, орада қизғин бир*

музокара давом этиб, мажлиснинг раислик лавозиматини муҳтарам Тошпўлат ака адо қилар эди. А. Қодирий, Кичик асарлар. *Оладигани раислик бўлса – олсин.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ерислоҳоти ўтказилиш олдидан қишлоқ камбағаллар уюшмаси тузилади ва уюшманинг раислигига Бердибой сайланади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

РАИСХОНА [раис + хона] *тар.* Раис маҳкамаси, идораси (*қ.* **раис 3**). *Жаноби олий замонларидаги раис қочгандан кейин раисхона таланганда, мен шу даррани олиб, бир ерга яшириб қўйиб эдим.* С. Айний, Қуллар.

РАИЯТ [*а.* رعيّت – пода; қавм; фуқаролар, аҳоли] *эск. кт.* Бирор ўлка ёки мамлакатда яшовчи халқ, фуқаро. *Ҳукмдор қанчалик оқил ва одил бўлса, раият, уламо, фузало ҳам ҳақгўйликка юз тутгай.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Йиғилган раият пичирлаб гаплашар, ҳамманинг чеҳрасида қандайдир таҳлика ва тараддуд муҳрланган, гўё ҳозир ёмон, мудҳиш воқеа содир бўлгуси эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Хон ҳали ички ўрдадан чиқмаган, ҳамма раият жаноби олийни кутиб, муҳташам дарвозага кўз тиккан эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РАИЯТПАРВАРЛИК *эск. кт. қ.* **халқпарварлик**. *Мустақил мамлакатимиз инсонпарварлик, раиятпарварликка қаратилган, оламшумул аҳамиятга молик ишлари ила белгиланиб, тан олиниб келинмоқда.* Газетадан.

РАЙ [*а.* رأى – нуқтаи назар, мулоҳаза; ақл-идрок] *қ.* **раъй.** *Дунёда бирон инсон йўқдирки, кўнгил нималигини, кўнгил райи нималигини билмасин.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Боланинг райини – кўнглини синдирган, тушунмаган одамга педагоглик касби хайфдир.* Газетадан.

РАЙИЖРОКОМ [«район ижроия комитети» бирикмасининг қисқартмаси] *тар.* **1** Меҳнаткашлар депутатлари район ижроия комитети ва у жойлашган бино. *Райижроком қарори. Райижрокомга бормоқ.*

2 *с.т.* Меҳнаткашлар депутатлари район ижроий комитетининг раиси. *Расулов райижрокомнинг кабинетида унга қоғозларни кўрсатиб, нималарнидир қизғин исботлади.* Ш. Рашидов, Асарлар. *Райижрокомнинг муовини Фаттоҳ Ўлмасбоевнинг кайфияти бугун ёмон.* Ў. Умарбеков, Сирли соҳил.

РАЙКОМ [*р.* районный комитет – «район комитети» бирикмасининг қисқартмаси] *тар.* **1** Район комитети ва у жойлашган бино. *Райком мажлиси.* ▬ *Бу ишда ўзбошимчалик қилганингиз учун райком бюросида масалангиз кўрилар эмиш.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Адолат аризасининг оқибатини кутиб юрди. Ҳадеганда жавоб кела бермади. У райкомга, военкоматга яна хат юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *с.т.* Район комитетининг котиби. *Йўлдош барака топсин, хўп райкомимиз бор-да!* Уйғун, Дўстлар. *Бу гапни у райкомга бориб айтди.* Газетадан.

РАЙОН [*фр.* rayon – кенг майдон, катта кенглик < *лот.* regio, regionis – вилоят, ўлка; чегара] **1** *қ.* **туман** IV. *Тошкент шаҳар районлари.* ▬ *Азиза қишки имтиҳонларни топшириб, районга қайтиши билан яна ишга тушиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шу куни Чилонзор район халқ суди яна бир аёл устидан ҳукм чиқарди.* Газетадан.

2 *с.т.* Район (туман)нинг маъмурий маркази. *Райондан келган вакил.* ▬ *Биз район каттаконларининг буйруғини бажардик, холос.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Райондан телефон қилишди [деди Нишонов Саодатхонга].* С. Зуннунова, Янги директор.

3 Бирор географик, иқтисодий ва ш. к. белгилар, хусусиятлар билан ажралиб турадиган жой, ҳудуд. *Мамлакатнинг муҳим иқтисодий районлари.* ▬ *Жанговар байроқ ҳар доим ўз ҳарбий қисми билан, жанг майдонида эса қисмнинг жанговар ҳаракатлари районларида бўлади.* Газетадан.

РАЙОНЛАРАРО Бир неча туман учун умумий бўлган, бир неча туман ўртасидаги, муштарак. *Районлараро электростанция.*

РАЙОНЛАШТИРИШ Географик фанлар тизимида қўлланадиган илмий тадқиқот усули: географик қобиқ ёки унинг айрим қисмларининг ҳудудий табақаланишини, табиат ва жамият ўртасидаги таъсирнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларини ўрганади.

РАЙОНЛАШТИРМОҚ 1 Бирор жойни маъмурий-ҳудудий бўлинмаларга – туман (район)ларга ажратмоқ. *Ҳудудни сейсмик жиҳатдан районлаштириш ишлари амалга оширилди ва сейсмик жиҳатдан фаол ҳудудлар харитаси тузилди.* Газетадан.

2 Қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва моллари учун энг мувофиқ об-ҳаво, иқлим, тупроқ шароитларини ҳисобга олиб, уларни

мамлакат ҳудудига тўғри тақсимламоқ, жойлаштирмоқ. *Заводлар, ҳар бир зона учун илмий асосда районлаштирилган навларни ҳисобга олиб, уруғлик етказиб бермоқдалар.* Газетадан.

РАЙҲОН [*а.* ريحان – хушбўй ўсимлик тури] **1** *бот.* Лабгулдошларга мансуб, ошкўк учун экиладиган бир йиллик хушбўй ўсимлик. *Ош райҳон.* ▬ *Жамбил, райҳоннинг иси етти маҳалла наридан димоққа урилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Ойим райҳонни яхши кўрарди, қишин-ёзин чаккасидан қўймасди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Райҳон (хотин-қизлар исми).

РАЙҲОНИЙ [*а.* ريحانى – ранги ёки кўриниши райҳонга ўхшаш]: **ёқути райҳоний** *қ.* **ёқут** I **1. Райҳоний ранг** Яшил ранг. **Хатти райҳоний** Араб ёзувидаги хат услубларидан бири; сарлавҳаларда ва нарсаларнинг устига хат ёзишда ишлатиладиган ёзув тури.

РАК [*р.* рак – қисқичбақа; кана < *қад. р.* орке – ёпишиб олиб сўрувчи] *тиб.* Одам ёки ҳайвонларнинг ички ёки ташқи аъзоларидаги эпителий тўқимасидан ривожланадиган, ҳаёт учун хавфли ўсма; саратон касаллиги. *Қайси куни марказдан келган врач Ханифа холанинг касали рак экани, саноқли кунлари қолганини айтган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Вилт, рак муаммоси ҳам ҳал бўлар, лекин Шукур Каримович айтганидек, баъзи кишилар феълу атворидаги «вилт ва рак»ни тузатиш амримаҳол бўлади.* Мирмуҳсин, Умид.

РАКААТ, ракат [*а.* ركعت – намоз вақтида тиз чўкиб таъзим (сажда) қилиш; намознинг бир қисми] *дин.* Намознинг бир қисми, бўлаги; намозда муайян ҳаракат ва вазифаларнинг ҳар бир такрорланиши. *Афанди бир куни икки ракаат пешин намозини ўқигандан кейин, саждадан бош кўтармай ёта берди.* «Латифалар». *Бошга тушса бир фалокат, Намоз ўқиб бир ракаат..* «Нурали».

РАКЕТА [*нем.* Rakete < *итал.* rocchetta, rocca – дук, йиг, урчуқ] **1** Ичидаги заряди ёнганда осмонга кўтариладиган, мушакбозликда ёки ҳарбий ишларда сигналлар бериш ва керакли жойларни ёритиш учун қўлланадиган снаряд; мушак. *Қишлоқнинг кун ботиш томонидаги ўрмон бурчагидан икки марта оқ ракета отилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Реактив куч таъсирида ҳаракатланадиган учувчи аппарат. *Тинчлик мақсадида қўлланадиган ракеталар. Жанговар ракеталар.* ▬ *Космонавтикага ракета техникаси йўл очди.* «Фан ва турмуш». *Ракета тепага кўтарилиб, берилган орбита бўйлаб учиш ўрнига, одамларнинг боши устида тариллаб тураверади.* Газетадан.

РАКЕТАБОЗЛИК Ракета ишлаб чиқариш ва уни амалда қўллаш бўйича ким ўзарга мусобақалашиш, шу йўл билан бирбирига таҳдид, пўписа қилиш. *АҚШ ва собиқ Совет Иттифоқи ўртасида ракетабозлик мусобақаси айни авжига чиққан йиллар эди.* Газетадан.

РАКЕТАСОЗЛИК Саноатнинг ракеталар ишлаб чиқарадиган тармоғи.

РАКЕТАЧИ 1 Ракета қўшинларида хизмат қилувчи шахс. *Бугун ракетачи деган сўзни ҳаяжон ва ҳурмат билан тилга олмайдиган киши топилмаса керак.* Газетадан.

2 Ракета учириб сигнал берувчи киши.

РАКЕТКА [*фр.* raquette – < *итал.* rocchetta, retichetta < *лот.* rete – тўр, матрап] *спрт.* Теннис ёки бадминтон ўйинида шар, волан ёки копток урадиган дастали, овал шаклли, ёғочдан қилинган ёки тўр чамбарак ўрнатилган куракча. *Ракетка билан урмоқ.* ▬ *Шуни таъкидлаш жоизки, ёш, иқтидорли катта ракетка устамиз турнирни муваффақиятли бошлади.* Газетадан.

РАКЕТОДРОМ [ракета + *юн.* dromos – югуриш жойи, йўлкаси] Ракеталарни синаш ва учириш учун махсус техникавий воситалар билан жиҳозланган жой, ҳудуд.

РАКУРС [*фр.* raccourci – қисқартириш] **1** *снт.* Тасвирий санъатда ва графикада муайян фигура ёки предметларнинг томошабиндан узоқроқ бўлган қисмларини қисқартириб, перспективада тасвирлаш.

2 Объектни ҳаракатланувчи ёки ҳаракатланмайдиган видео- ёки кинокамера билан турли томонлардан тасвирга тушириш – операторлик маҳоратининг бир усули.

РАЛЛИ [*ингл.* rally – йиғилиш, йиғин; тўпланиш] *спрт.* Махсус тайёрланган автомобиллар ва мотоциклларда белгиланган маршрут бўйлаб ҳаракатланишда уларни бошқариш маҳорати бўйича мусобақалар.

РАМ *с.т. қ.* **рамка**. *[Уйнинг] Жиҳозлари Ойнисанинг эътиборини унча тортмаса ҳам, ёзув столи устига қўйилган каттагина ойна*

рамдаги фотосуратлар сеҳрлаб қўйди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

РАМА [*р.* рама < *нем.* Rahmen – машина, механизмларни кўтариб турувчи қисм, асос] **1** Машина ёки қурилмаларнинг юк кўтарувчи, уларни тутиб турувчи асос қисми. *Автомобиль рамаси.* ▬ *Катта диаметрли труба тарзидаги рама машина асосини ташкил этган.* «Фан ва турмуш».

2 Бир-бирига бириктириб маҳкамланган чорқирра ёғоч ёки темир мослама. *Станок рамаси.*

3 Деразанинг ойна солинган ёки солинмаган ҳар бир қаноти.

РАМАД [*а.* رمد – кўзнинг яллиғланиши; رماد – кул, хок] Оғриқ, дард. *Оташин ишқ ичра жисму жон ўлуб мисли рамад, Ҳеч қилмас кўнгли қаттиғлиғдин ул бераҳм ёд.* Увайсий.

РАМАЗОН [*а.* رمضان – рўза ойи] **1** Қамария йил ҳисобида 30 кундан иборат тўққизинчи ойнинг арабча номи (шариатга кўра, бу ой давомида мусулмонлар рўза тутадилар). *Рамазоннинг охирги ҳафтаси қолиб, катта ҳайитнинг баҳор ойларига тўғри келгани ҳаммага севинч бағишларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бекларнинг машваратида Самарқанд юришини рамазон ойида бошлашга, тайёргарлик ишларининг асосий қисмини Ўшнинг ўзидаёқ битириб кетишга қарор қилинди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Тез орада рамазон ойи бошланиб, ҳаммалари рўза тутишга киришдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шу ойда болалар ва гадойлар эшикма-эшик юриб айтадиган қўшиқ. *Рамазон айтмоқ.*

3 Рамазон (эркаклар исми).

Рамазон ҳайити Мусулмонларнинг рамазон (рўза) ойи тугаган кундан кейин ўтадиган байрами. *Рамазон ҳайитини байрам сифатида нишонлаймиз.* Газетадан.

РАМАЛ [*а.* رمل – «қум» с. дан] Аруз баҳрларидан бири. *Улар ҳазаж, ражаз, рамал, муқтазаб, мужтасс, мушокил баҳрларида мисол қилиб берилган.* «ЎТА».

РАМАҚ [*а.* رمق – охирги куч, нафас; ҳаёт учқуни, нишонаси] Жон чиқар олдидаги нафас, охирги нафас. *Паривашни ул хабар ношод қилди, девонасин сўрарға нома савод қилди, Қосидким ул номани Мажнунға еткуруб берди, руҳидин танида рамақ йўқ эрди.* А. Навоий, Маҳбубул-қулуб.

РАМАҚИ Ниҳоят даражада озган, ҳолдан тойган, эти бориб суякка тақалган. *У рамақи бўлиб қолибди.* ▬ *Не уқубатларни кўриб, баҳорга чиқдинг рамақи, Қовурғаларинг саналиб, қоқ қуриб жиринг, сигирим.* «Муштум».

РАМАҚИЖОН [*а.* + *ф.* رمق جان – жоннинг рамақ ҳолати] *айн.* **рамақи.** *Рамақижон бузоқ.* ▬ *Чол озғин, эти бориб суягига ёпишган, кўзлари киртайиб, рамақижон бўлиб қолган.* Н. Сафаров, Наврўз. *Шўринг қурғур укам мардикорликдан рамақижон бўлиб қайтиб келди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

РАМЗ [*а.* رمز – белги, имо, ишора; лақаб, тахаллус] **1** Бирор ғоя, тушунча, ҳодиса кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белги, ишора. *Дўстлик рамзи. Кабутар – тинчлик рамзи.* ▬ *Она ўлкам менинг рамзи садоқат, Дурлар шодасида дурдона гўё.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Санъаткор Бернора, мовий кўл фарзанди, садоқат рамзи – Оққушга айланиб, равон сузиб чиқади саҳнага.* «Саодат». *Ёдгорликлар муқаддас нодир мерос сифатида Ватанга садоқат рамзи бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб боради.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат герби, Давлат мадҳияси азиздир.* Газетадан.

2 Қочириқ ёки ишора билан айтилган гап; имо-ишора, шама. *Рамз билан гапирмоқ.* ▬ *Латифа, аския, рамзу киноя Ўтар улфатлар ичра бениҳоя.* Ҳабибий. *Саидий, гарчи кейинчалик Ёқубжоннинг рамзига тушунган бўлса ҳам, бу гапни ҳақоратга қарши ҳақорат тарзида айтди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳасрат тўла сўзингдан озор топар нигорим, Рамзи ишора бирлан қилгин уни ифода.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

3 Рамз (эркаклар исми).

РАМЗИЙ [*а.* رمزى – рамзли, рамзга асосланган] **1** Рамздан иборат бўлган; рамзли, ишорали. *Йўлнинг ҳам, манзилнинг ҳам ўз рамзий маъноси бор.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Буюк одамлар тириклигида ўзидан нишона бермайди. Уларда рамзий ҳолат кўпроқ бўлади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

2 Расмият учун қилинган, юзаки, шунчаки. *Биз ядро қуролидан холи Марказий Осиё зонасининг барпо этилиши рамзий тадбирга*

айланиб кетмаслиги кераклигини яхши биламиз. Газетадан.

РАМЗИЙЛИК Алоҳида белги, ишорага, рамзга эгалик, рамзлилик. *Навоий шеъриятида ишқнинг шартлилиги ва рамзийлиги таркидунёчи дарвеш сифатидаги лирик қаҳрамон образининг хусусиятларида ҳам кўринади.* «ЎТА».

РАМЗИЯТ [*а.* رمزيّت — белгилар, рамзлар; символизм] *с.т.* Рамзлар. *Ўрдак ва кабутар Хоразмдан топилган буюмлар рамзиятида кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

РАМЗЛИ 1 Рамзга эга, рамзи бўлган; белгили. *Рамзли тасвир.* ▬ *Ўзбекистон пойтахтида ўн кун давомида ўзбек мусиқаси фестивали — «Тошкент баҳори»нинг рамзли машъали порлаб турди.* Газетадан.

2 Қочириқ ёки ишора билан айтилган; шамали. *Рамзли гап.* ▬ *-Азимжондан сизгаям хат бор, мана ушланг, — деди почтачи рамзли оҳангда [Ислом отага].* У. Назаров, Исмоил тажанг.

РАМКА [«рама» с. нинг кичр.] **1** Портрет, расм ва ш.к. солинадиган, картон, металл ва б. материалдан қилинадиган, асосан, тўрт бурчакли ҳошия. *Жимгина хона биллур қандилдан ёғилаётган нурга тўлган, деворлардаги кекса артистларнинг суратлари солинган рамкалар ойнаси ярақлаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бугунча аслига ўхшаса сурат, Заррин рамкаларга қувнаб солгайсиз, Юз рангда товланиб келганда шуҳрат, Сувратин чизолмай шошиб қолгайсиз.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Матн ёки расм атрофига чизилган тўғри тўртбурчакли қора ҳошия (мотам, аза билан боғлиқ). *Марҳумнинг суратини ёки номини рамкада бермоқ.*

3 *кўчма* Иш-ҳаракат, фаолият, воқеа-ҳодиса кабилар доираси; чек, чегара. *Рамкага солмоқ. Рамкадан чиқармоқ.* ▬ *Фурқат юбилейи ўзининг салмоғи, моҳият эътибори билан адабиёт ҳодисалари рамкасидан ташқарига чиқиб кетади, кенг маънодаги маданиятимиз, маънавий ҳаётимиз тараққиёти масаласига айланиб кетади.* «ЎТА».

РАМКАЛИ Рамкага эга, рамкаси бўлган. *Катта рамкали портрет.*

РАМЛ [*а.* رمل — қум] Қум билан фол очиш; фолбинлик. *Соли домла.. рамл кўришдан бошқа.. иссиқ-совуқ.. шунга ўхшаш косибчиликдан ҳам хабардор бўлган эдилар.* Чустий, Пардаи асрор.

РАММОЛ [*а.* رمّال — қумга қараб фол очувчи] Фолбинларнинг бир тури: қум ёки тупроққа, уларнинг юзасидаги нуқталарга қараб фол очувчи шахс. *Кўҳна бир китоб ногоҳ чорлар сеҳрли фолдек. Мен ҳовлиқма раммолдек очаман ҳар сўз, э воҳ.* А. Шер, Куз ҳилоли. *Кимлар-да ажнабий бир раммол бўлиб, Умрини сарф этди фолга иқтидор.* А. Шер, Роз.

РАМПА [*фр.* rampe — тўр, панжара] **1** Театр саҳнаси полига унинг олд қирраси бўйлаб ўрнатилган, саҳнани олдиндан ва пастдан ёритиш учун мўлжалланган ёритиш асбоблари.

2 Театрда саҳнага қаратилган ёритувчи асбобларни томошабинлар кўзидан паналаш учун авансцена бўйлаб ясалган узун тўсиқ ва шу тўсиқ ортига ўрнатилган ёритиш асбоблари. *Шу пайт Шокир ака илдам саҳнага чиқди, ҳеч кимга қарамай, олдинга юрди, рампанинг олдига борганда тўхтаб, қаддини ростлади-ю, қоронғи залга тикилди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

РАНГ I [*ф.* رنگ — тус, ранг, бўёқ] **1** Бўяш учун ишлатиладиган модда; бўёқ. *Қуруқ ранг. Ипак бўяйдиган ранг. Ранг бермоқ.* ▬ *Стадион ремонт қилина бошлаган, панжаралар қизил, сариқ рангга бўялган.* «Ёшлик».

2 *снт.* Рангтасвирнинг асосий ифода ва тасвир воситаси.

3 Нарсаларга суртилган ёки сингдирилган бўёқ, сир. *Шипи шарқча нақшдор уй, нақшлари эскириб, ранги хираланган, лекин ҳали диққатни тортарлик ҳолда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бугун у ишдан барвақт қайтди. Оч зангори рангга бўялган дарвозадан ўтиб, ҳовлига кирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Бирор нарсанинг ўзига хос бўёғи; тус. *Ранги сариқ рўмол. Ҳайвонларнинг муҳитга мослашадиган ранги. Олмага ранг кириб қолди.* ▬ *Ғўзаларнинг рангини кўрган сари, ичгинам туздай ачийди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Бир туп дарахтда қанча шох-шабба, қанча ранг, қанча гул-мева, қанчалаб сир-синоат бор.* Газетадан. *Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади.* А. Қаҳҳор, Анор.

5 Кишининг юзидаги қизиллик даражаси. *Унинг рангида қони йўқ. Унинг ранги қип-қизил. Ранг кўр, ҳол сўр.* Мақол. ▬ *Негадир Чароснинг юзи худди шу гул билан бир хил рангда эканини энди сезди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Турсуной билан Шарофатнинг ранги бўздай оқарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ранги кетиб қолмоқ Юзида дард, оғриқ, уйқусизлик азоби намоён бўлмоқ; озиб, тўзиб кетмоқ. *-Рангинг кетиб қолибди, — деди у Дилфузанинг кўзларига тикилиб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ранги синиқмоқ** *қ.* **ранги кетиб қолмоқ**. *Ёдгор унинг ранги синиқиб, кўзлари киртайиб қолганини сезар, изтироб чекиб юрганини билар, югуриб бориб, қўлидан тутгиси, «мен сени соғиниб кетдим ахир», дегиси келар, аммо журъати етмас, бундай қилишга ўзини ҳақсиз деб билар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ранги ўчиб кетмоқ** 1) ранги оқариб, бўзариб кетмоқ. *-Ҳақорат қилди! — деди Искандаров анчадан кейин тилга кириб. У ранги ўчиб, ўрнидан туриб кетди: -Нега мени ҳақорат қилдинг, ифлос!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) *кўчма* озайиб қолмоқ, баракаси учиб кетмоқ. *Икки-уч олишдаёқ лаганнинг ранги ўчиб кетди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

6 *кўчма* Гап, нутқ, оҳанг ва ш.к. даги нозик бўёқ, тус; кўриниш, жилва. *Бир зумдан кейин яна айни товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда.. кўнгилни яна қаттиқроқ сеҳрловчи.. ранглар билан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир-икки кун миёнасидаги кечинмалар турли ранг билан унинг уйқули димоғида акслана бошладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энг яқин кишиларидан ҳам яшириб юрган, аллақачон ўтмиш дафтарларида ранги хиралашиб кетган хотиралар бирдан туғён урди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ранги ҳам, туси ҳам намоён дунё, Қирқми эллик бу, умр ўртаси.* А. Орипов, Йиллар армони.

7 *кўчма* Жонлилик, файз. *Тошкентлик машҳур бир бойнинг хасислиги ҳақида энг кейинги, ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чатилмаган латифалар суҳбатга "ранг" бериб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

РАНГ II [*нем.* Rang < *фр.* rang — қатор] *дипл. ҳарб.* Унвон, рутба даражаси. *Биринчи ранг капитани.*

РАНГ III [*ф.* رنگ] Қиёққа ўхшаш ёввойи ўсимлик.

РАНГ-БАРАНГ [*ф.* رنگ برنگ — турли рангдаги, турли хил, ҳар хил] **1** Турли рангдаги, ранги ҳар хил. *Ранг-баранг бўёқлар. Ранг-баранг товланмоқ.*

2 Турли-туман, хилма-хил, ҳар хил. *Ранг-баранг фойдали қазилмалар.* ▬ *Таом иштаҳа билан ейилгандан сўнг, ранг-баранг қимматбаҳо мевалар.. билан тўла дастурхон ёзиб, [Ҳакимбойвачча] аччиқ чойни қуя бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ранг-баранг суратли одамлар яшар, Ишлашар, куйлашар ҳамда курашар.* А. Орипов, Йиллар армони. *Журналистлар келгуси йилда ҳам газета ва журналларда ранг-баранг мақолалар, тарих, маънавият ва маърифатга оид материаллар берилажагини айтиб ўтишди.* Газетадан.

РАНГВОР [*ф.* رنگوار — рангли, рангдор] Бирор мақсад учун зарур бўладиган бўёқ моддалар мажмуи. *Шакарпазлик рангворлари.*

РАНГДОР [*ф.* رنگدار — маълум рангли, рангга эга бўлган] **1** Бирор рангга эга бўлган ёки бўялган; рангли; ранг-баранг. *Рангдор қаламлар. Рангдор қоғоз.* ▬ *Паркнинг рангдор маржон чироқлари ҳам сўнди.. ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.* А. Мухтор, Чинор. *Чамаси, касалхона яқинидаги бу бозорча ўзидан-ўзи пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб, устига рангдор пластмасса шифер ёпиб қўйилган эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 *кўчма* Бежамали, жилвали, тамтароқли, баландпарвоз (гап, сўз, услуб ва ш.к. ҳақида). *Сайрамов болаликда, узун қиш кечалари.. чолнинг ўзига хос рангдор сўзи ва услубини диққат билан тингларди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *..умрдош танлашда янглишма, қизларнинг ташқи қиёфасига, рангдор сўзларига уча кўрма, — деди меҳмон Мансурга.* Ё. Шукуров, Уч савол.

РАНГДОРЛИК *кўчма* Жилвадорлик, сержилвалик, жозибалилик. *Саид Аҳмад асарларини ўқиган китобхон уларнинг тилидан ҳам бениҳоя чуқур эстетик завқ олади, ҳам тилимизнинг қудратига, рангдорлигига, бойлигига яна бир марта қойил бўлади.* «ЎТА».

РАНГИН [*ф.* رنگین — рангли, рангдор, муайян рангга бўялган] *айн.* **ранг-баранг, рангдор 1.** *Рангин плакатлар.* ▬ *Косалар, пиёлалар, қадаҳларнинг гуллари баҳор чаман-*

ларидай бой, нафис, рангин эди. Ойбек, Навоий.

РАНГИНЛИК Ранг-баранглик, хилма-хиллик, ҳар хиллик. *..билимдонлик мубоҳасалари охир-оқибат фикрий рангинликка йўл очиши аниқ.* Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

РАНГЛАМОҚ *с.т.* Ранг бермоқ, бўямоқ. *Сочларини ранглагани билан, бари бир, юзига кексаликнинг нуқси урибди.* Газетадан.

РАНГЛИ 1 *қ.* **рангдор 1.** *Рангли телевидение. Рангли чит. Рангли қалам.* ▬ *Сариқ рангли бино олдида, умрида овқат емагандек қотма, новча, ранглари тоза, ҳаракатлари енгил одамлар қаршисида тўхтадик.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Тўрт марта пул мукофоти берди, икки йилдан бери рангли суратим «Ҳурмат тахтаси»да.* С. Аҳмад, Юлдуз.

Рангли металлар Темир ва унинг қотишмаларидан бошқа барча металлар.

2 *кўчма айн.* **рангдор 2.** *Ким билади.. Машҳадийнинг силлиқ назми, рангли услуби валинеъматнинг кўнглини шундай қиларди, у.. бир неча қўй.. инъом қилиб юборар!* Ойбек, Навоий.

РАНГО-РАНГ [*ф.* رنگا رنگ – турли рангдаги; хилма-хил] *с.т. айн.* **ранг-баранг.** *Ўктам столни бирпасда ранго-ранг мевалар билан яшнатиб юборди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ранго-ранг мушаклар ловуллаб кўкка интилди.* «Саодат».

РАНГПАР [*ф.* رنگپر رنگپریده – ранги ўчган, йўқолган] Ранги заҳил, синиққан, рангсиз. *Ҳовузнинг у томонида ярим гумбаз шаклида тош терилган, унинг остида мўйлови эндигина сабза урган рангпар йигит кабоб пиширяпти.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ибн Сино тўрдаги ипак тўшак устида ёстиққа суяниб ўтирган рангпар кишига таъзим қилди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Уларнинг ғўзалари рангпар, нимжон; ўсимлик чанқоқ: «Сув бер!» деб фарёд чекаётибди.* Газетадан.

РАНГ-РУХСОР, ранги рухсор [*ф.* رنگ رخسار – юзнинг ранги] *айн.* **ранг-рўй.**

РАНГ-РЎЙ, ранги рўй [*ф.* رنگروی – юзнинг ранги] Киши юзининг ранги ва кўриниши. *Унинг ранг-рўйи яхши. Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.* Мақол. ▬ *Фарқланадиган ранги рўйимиз, Туриш-турмуш, орзу-ўйимиз.* Н. Нарзуллаев, Ёғду. *Ранг-рўйлари бир ҳолатда, қони қочган қўллари ёнларига мажолсиз чўзилган.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштаилар. *Бригадир қорнини силаб, Нусратбекнинг ранг-рўйи, кийим-бошига разм солди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

РАНГСИЗ 1 Бирор рангга эга бўлмаган; туссиз. *Рангсиз суюқлик.*

2 Ранги номаълум, хира. *Рангсиз чит.*

3 Ранги кетган, ранги йўқ. -*Сизга бари бир эмасми? – Клара ҳамон унинг қўлини қўйиб юбормас, ойдинда чеҳраси бир оз рангсиз, аммо жозибали кўринарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Калтакесакдек рангсиз, қонсиз мавлоно Шаҳобиддиннинг кайфи жойида эди.* Ойбек, Навоий.

4 *кўчма* Тил ёки услуб жиҳатидан бўш; туссиз. *[Абдишукур] Шоирлик истеъдодидан тамом маҳрум бўлишига қарамай.. вазни бузуқ, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Нисбатан ожиз, бўш. *Унинг назарида, севги сўзи Ҳаёт севгиси олдида рангсиз, туссиз эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

РАНГСИЗЛИК Ранги заҳиллик, синиққанлик. [*Абдураҳмон домла:*] *Рангсизлик orттириб, йигирма саккиз ёшида "хатми кутуб" қилишга муваффақ бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РАНГТАСВИР Тасвирий санъат тури; бирор қаттиқ юзада рангли ашёларда, мас., бўёқлар ёрдамида бадиий асар яратиш усули ва шу йўл билан яратилган бадиий асар. *Фестивалда мамлакатимизнинг 250 дан ортиқ иқтидорли ёш ижодкорлари рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, дизайн ва бошқа санъат турлари бўйича сара ижод намуналари билан иштирок этдилар.* Газетадан.

РАНГ-ТУС Ранг ва тус(лар). *Ранг-тус билдирувчи сифатлар (тлш).*

РАНГ-ҚУТ Кишининг ранги-рўйи ва файзи. *Ранги-қути ўчиб, дир-дир қалтираб турган йигитча қоғозларга қўл қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм. -*Ўртоғингизнинг адаси ким? – ранги-қути ўчиб сўради Муборак Азизович.* Газетадан. -*Нима гап? Тинчликми? – деб сўради олим ранг-қути ўчган мулозимга қараб.* М. Осим, Карвон йўллари.

РАНДА [*ф.* رنده – тахтани силлиқловчи дурадгорлик асбоби] Ёғоч ва тахталарни текис қилиб йўниш, силлиқлаш учун ишлатиладиган, ўртасига пўлат тиғ ўрнатилган дастали асбоб. *Мушт ранда. Дароз ран-*

да. ▬ *Коля гапга аралашмай, жингала-жингала қириндилар сачратиб, тахтача устидан ранда юритарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

РАНДАЛАМОҚ Ёғоч-тахталарнинг сиртини ранда билан текисламоқ, силлиқламоқ. *Тахтани рандаламоқ.*

РАНДАЛАШ Маълум қалинликда қиринди олиш йўли билан материаллар сиртига ишлов бериш усули. *Тахтани рандалаш.*

РАНЕЦ [*нем.* Ranzen – халта, сумка] Ҳарбийлар ёки ўқувчиларнинг елкага тасма билан осиб юрадиган сумкаси. *Ранецга ортиқча нарса солиб қўйилгандай орқага тортади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

РАНЖ [*ф.* رنج – меҳнат, машаққат; ташвиш; ғам, алам; дард] **1** Кўнгилга етган озор, алам. *Оламда ҳар нарса эсдан чиқиши, ҳар қандай ранж, кулфат кўнгилдан кўтарилиши мумкин, лекин уч ярим яшар бўлиб ўлган фарзанд доғи.. йўқ!* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

Кўнглини ранж қилмоқ Бировни ранжитмоқ, кўнглига озор бермоқ. [**Бировдан**] **Ранж топмоқ (*ёки* чекмоқ)** Бировдан ранжимоқ, озор топмоқ. *Мард атаймиз кимки турса аҳду паймон устида, Чекса ҳам ранж, узмагай меҳрин қадрдон устида.* Ҳабибий.

2 *эск.* Меҳнат, машаққат. *«Ибодулло махсум шунча жойдан ранж чекиб келибди-я», деб такрор ўйлади Эломонов.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила, Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.* Алишер Навоий.

РАНЖИГАННАМО Ранжиганга ўхшаш, ранжигансимон, ранжигандай. *-Сал пастроқ туш, – деди Кесакполвон сал ранжиганнамо оҳангда.* Т. Малик, Шайтанат.

РАНЖИДА [*ф.* رنجيده – уринган, қийналган]: **қадам ранжида қилмоқ** Бирор ёққа ташриф буюрмоқ, бормоқ, келмоқ. *-Шу шарт биланки, кейин бизникига ҳам қадам ранжида қиласиз.. – жавоб берди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сафарда юрган кезларим бу ерга навбати билан Намангандан ва Тошкентдан санъаткорлар қадам ранжида қилишди.* Газетадан.

РАНЖИМОҚ Бировдан ёки бирор кўнгилсиз иш, ножўя хатти-ҳаракатдан озор чекмоқ, хафа бўлмоқ. *Унинг кўнгли нимадан ранжиди?* ▬ *Эҳтимол, анов кунги воқеадан ранжигандир.. Нега шундай қилдинг, онажон, нега Адолатни мендан қочирдинг?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Оталар боладан ранжиса озроқ, Гоҳида шундайин сўзни дейдилар: -Болам, кексаларни қадрла кўпроқ, Боғлаб қўйган эмас бизни, дейдилар.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кўзингизни очинг, отажон, қачон сизни ранжитдим, қачон?* Э. Раҳим, Янги қадам.

РАНТ [*нем.* Rand – чет, чекка; қирра, зиҳ] *махс.* Пойабзалнинг юқори қисмини пошна билан сиртдан бириктирувчи камбар тери тасма.

РАНТЬЕ [*фр.* rentier – рента] *иқт.* Қарзга берилган пул маблағидан тушадиган фоизлар ва қимматбаҳо қоғозлардан тушадиган даромадлар ҳисобига яшовчи шахс.

РАНЧО [*исп.* rancho] Лотин Америкасида ҳовли-жой; Ғарбий АҚШда чорвачилик фермаси. *Американинг Жанубий Дакота штатидаги ранчолардан бирида унча катта бўлмаган динозаврнинг тошга айланган скелети топилди.* «Фан ва турмуш».

РАП *с.т.* Раф. *Элмурод.. полк ҳовлисига қараган деразa рапига икки тирсагини қўйиб, бошини кафтлари орасига олганича, эртаги машғулот юзасидан китоб кўрар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

РАПИДА 1 [*ф.* رپيده < *а.* رفاده – боғ, боғич; белбоғ] Тандирга нон ёпиш учун ишлатиладиган, матодан тикилган, тўгарак шаклдаги қалин қўлқоп. [*Меҳрихон*] *Рапидадаги ноннинг юзига сув сепиб, саватга ташлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *кўчма* Думалоқ, доирасимон, рапидага ўхшаш. *Баширжоннинг рапида юзлари, хум калласи қип-қизариб, лаблари кўкариб кетди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Яхшибоев Ёнгулиннинг қиёфасини эслади: рапида юз, бароққош бир кимса..* М. М. Дўст, Лолазор. *Унинг рапида сингари юм-юмалоқ, қип-қизил юзида, аланг-жаланг кўзларида аллақандай тараддуд бор эди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

РАПИРА [*нем.* Rapier < *фр.* rapiere] *спрт.* Қиличбозликда: расмий мусобақаларда қўлланадиган қайишқоқ, тўрт қиррали, ҳар бир санчқини қайд этувчи электр алоқали қурилмаси бўлган шамширдан иборат санчувчи қурол.

РАПОРТ [*фр.* rapport – олиб келиш; олиб бориш; қайтариб олиб келиш] **1** Идора ёки муассаса бошлиғига ёки ўз раҳбарига бирор

воқеа-ҳодиса, бажарилган иш, режа, мажбурият ҳақида тақдим этилган хабар, ахборот. *Ишга тушганлиги ҳақида рапорт бермоқ.* ▬ *Бошқа бригадирлар ўз планларини бажариб, рапорт бера бошладилар.* У. Исмоилов, Сайланма.

2 Қуйи унвонли ҳарбий хизматчининг ўзидан юқори унвонли ҳарбий бошлиққа маълум топшириқ бажарилганлиги ҳақида низомда белгиланган тартибдаги ёзма ёки оғзаки ҳисоботи. *Алижон полк командири қаршисига югуриб келди ва ғоз туриб рапорт берди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Разведкачи топшириқни вақтида бажарганлиги ҳақида командирга рапорт берди.* Газетадан.

РАПС [*нем.* Raps] *бот.* Карамдошлар оиласига мансуб, бир йиллик мойли емхашак экини (озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатида, чорвачиликда ишлатилади).

РАПСОДИЯ [*юн.* rhapsodia – рапсод (достончи) қўшиғи] *мус.* Халқ қўшиқлари ва рақслари мавзуида ёзилган эркин шаклдаги чолғу ёки вокал мусиқа асари.

РАСАД I [*а.* رصد – пистирма; (астрономик) кузатиш; қўриқлаш; телескоп] *кт. астр.* Осмон жисмларини кузатиш, астрономик кузатишлар.

РАСАД II [*р.* рассада – кўчат]: **расад қилмоқ** *с.т.* Униб чиққан кўчатларни тез етилтириш учун яшикдан ёки кўчатхонадан олиб, ерга сийракроқ қилиб қайта ўтқазмоқ. *Янги кўчатлар расад қилинди.*

РАСАДХОНА [расад I + хона] Қадимги Шарқ обсерваторияларининг номи (*яна қ.* **обсерватория**). *Беруний бу жумбоқни ечиш умидида ўзи қурган расадхонада кечани кундузга, кундузни кечага улаб, расад ўтказди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Самарқанд қалъасининг ташқарисидаги боғ кўчалар, Улуғбек расадхонасининг атрофлари, Обираҳмат ариғининг бўйлари беҳисоб қўшинга тўлиб кетган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Катта боғни эслатувчи сердарахт ҳовли кимсасиз, расадхона жимжит эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

РАСАМАД [*ф.* رسمد < *а.* رسومات] *с.т.* Бирор нарсани ҳар бир киши ёки ҳар бир нарсага тўғри келган, тенг улушларда тақсимлаш. *Расамад қилмоқ.* ▬ *-Ўртоқларимга яхши кўриниш учун, расамадда кўрсатилмаган бўлса ҳам, ёғ ёнига тухумни қўшиб олиб боришни ўзимга маъқул қилган эдим, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Асли ғалат экан бу дунё, Расамадни билмас экан ҳеч.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

Расамади билан 1) тўғри тақсимлаб, бўлиб. *Ерга расамади билан ўғит солмоқ.* ▬ *Ўртага кабоб келди. Аъзамжон ака ўз қўли билан икки-икки сихдан расамади билан меҳмонларнинг ликопчасига қўйди.* С. Аҳмад, Гугурт; 2) тартиби билан. *Унинг [янги шаҳарнинг] кўчалари тўғри ва кенг. Иморатлари расамади билан солинган.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

РАСВО [*ф.* رسوا – шарманда, бадном бўлган, уятга, иснодга қолган] **1** Ножўя хатти-ҳаракати, юриш-туриши билан эл назаридан қолган; ярамас, разил. *Расво одам.* ▬ *Тавба, – деди у ўзига-ўзи, – ярим соат ичида икки расво одам билан учрашсам-а». Ҳаётида ҳеч маҳал бунчалик ярамас тасодифга йўлиқмаган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Жуда ҳам ёмон, танқиддан тубан. *Расво гап.*

3 Жуда ҳам ёмон, ярамас; нокас. *Унинг хунуклиги устига икки дунёси ҳам расво – ҳасадчи эди.* Мирмуҳсин. *Божаси расво эканини билардим.* Шукрулло, Сайланма. *Жайдари ғўзадай мижғов, расво экинни деҳқон боласи билмаса керак.* Ғ. Ғулом, Алиқулнинг қарзи.

4 Издан чиқиб кетган, ёмон аҳволга тушиб қолган; ёмон, пачава. *[Ўрмон Дадавойга:] Қаердаки интизом маҳкам, у ерда иш йирик. Қаердаки интизом бузилди, у ерда иш расво.* Уйғун, Навбаҳор. *Ишни расво қилдику Падар лаънат Тошбақа.* «Ёшлик».

5 Бузуқ, бадахлоқ.

Расво бўлмоқ *ёки* **расвоси чиқмоқ** 1) эл назаридан қолмоқ, эл назарида шармандаи шармисор бўлмоқ. *Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрарсиз.. эл ичида кулгига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) ишдан чиқмоқ; бузилмоқ. *Лой сачраб, кийими расво бўлди. Яп-янги жинси шим ҳам расво бўлди.* «Шарқ юлдузи»; 3) пачава бўлмоқ, бузилмоқ. *-Башарти хат душман қўлига тушгудай бўлсами, ишимиз расво бўлади, - деди унга командир вазифани тушунтирар экан.* А. Раҳмат, Варракчи чол; 4) бузилмоқ, ёмон йўлга кирмоқ. **Расво қилмоқ** *ёки* **расвосини чиқармоқ** 1) шармандаи шармисор қилмоқ. *-Лозимидан бўлак ҳамма ёғини ечириб, расво қилиб чиқаришибди, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.

о.; 2) кирдикорларни очиб ташламоқ. *-Ҳароми мени тоза расво қилганга ўхшайди, — деди ўзича [Ҳожи].* А. Қаҳҳор, Йиллар. *-Расвомизни чиқаришибди, — деди Саидваққос энтикиб [Обидхўжага]. Сўнг чўнтагидан газета чиқарди. — Фельетон қилишибди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг; 3) ифлос қилмоқ, ёмон аҳволга келтирмоқ. *Она! — Холиса ўгирилиб қаради, катта хона полида мушукчасига сут бўктирилган нонни еdиролмай ўтирган ўғилчасига кўзи тушди: -Ҳой, полни расво қилибсан-ку!* С. Нуров, Нарвон. *-Войбў, ҳовлини расво қилибсизлар-ку, — дейди Фотима опа тоғора изларини кўриб.* Р. Файзий, Сен етим эмассан; 4) издан чиқармоқ, бузмоқ, пачава қилмоқ. *Шукур Каримович ғўдайиб турган Салимхон Обидийга хўмрайди: -Домла, расво қилдингиз! — деб пўнғиллади.* Мирмуҳсин, Умид. *-Ўша фельетон ҳамма ишни расво қилиб ташлади. Матбуотда эълон қилиндими — тамом. Ғишт қолипдан кўчди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа; 5) бузмоқ, ёмон йўлга солмоқ. *Қизларни ҳам расво қиляпсиз.* С. Зуннунова, Олов. *-Болалар мени яхши кўрсин, деб уларни расво қиляпсиз, ўртоқ Султонова [деди Баратов].* С. Зуннунова, Янги директор. *Чакки қилади Шоқосим ака. Наша бир куни уни расво қилади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Расвои олам (***ёки* **жаҳон) бўлмоқ** Ҳамманинг олдида шармандаи шармисор бўлмоқ, обрўси тўкилмоқ. *Замондин замон ўтиб, уларнинг дилида яхшилик, мурувват, ҳамият, инсофу адолат чироғи ёнармикин ёхуд то қиёмат қадар шундай бадбахтлик ботқоғида расвои олам бўлиб қолармикинлар?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Буларни ўйлаганда, Тожибойнинг ичини қоронғи босиб, кўз олди тиниб кетди. Йўқ, кимсан — Тожибой оқсоқол бундай расвои жаҳон бўлиш учун туғилган эмас.* П. Турсун, Ўқитувчи.

РАСВОГАРЧИЛИК 1 Одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари иш, ножўя хатти-ҳаракат; шармандалик. *Нега расвогарчилик қилдинг?*

2 Бошбошдоқлик, бебошлик. *Бундай расвогарчиликни қаердан ўргандинг?* «Ёшлик».

3 Ахлоқи ёмонлик, бузуқлик, фаҳш. *[Насиба:] Расвогарчиликка судраган кишиларни дўст деб, уларнинг тақдирини ўйлаяпсизми?* С. Зуннунова, Олов.

РАСВОЛИК 1 Ярамаслик, разиллик. *Ёқут ая ўз расволигига аччиқ-аччиқ, юммаюмма йиғлади.* Ғ. Ғулом, Соялар.

2 *айн.* **расвогарчилик 2.** *-[«Мусулмон лигаси»] Уламолар билан биргалашиб, яна Америка "ёрдамини" бош усти қабул этишга фатво берди, бу қандай расволик! — деди Муҳаммад Жамол.* Ойбек, Нур қидириб.

3 *айн.* **расвогарчилик 1.** *Одамлар суюғоёқ хотинидан эмас, расволикни бўйнига олган эридан жирканишарди.* Мирмуҳсин, Умид.

РАСВОЧИЛИК *айн.* **расвогарчилик.** *Подшо бўлсанглар, отланиб юрсанглар бўлмайдими? Бу қандай расвочилик.* «Маликаи айёр».

РАСИДА [*ф.* رسیده — етган, етишган, эришган; пишган, етилган; комил; вояга етган] *эск. кт.* **1** Жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган; етук, баркамол. *..Овозим дўриллаб, расида бўлгунимча отамнинг ёнида ётдим.* «Ёшлик». *Ҳасан қайғичи — хоннинг хос қизиқчиси, бўйи икки газча келар, ориқ, кўса, узун қўллари тиззасигача етар, товуши ҳам расида бўлмаган ўспиринларникидек чийиллаб чиқар эди.* С. Сиёев, Аваз.

2 *айн.* **раста** II.

РАСИДАЛИК Жисмоний жиҳатдан тўла ривожланганлик, камолотга эришганлик, етуклик. *Элчин хушсурат бўлгани учун, расидалик чегарасидан ўтмаёқ, қизларнинг хумор кўзлари таъқибига учраган эди.* Т. Малик, Шайтанат.

РАСКЛАДУШКА [*р.* раскладывать — «тахлаб қўймоқ; ёймоқ» фл. дан ясалган от] Енгил букма каравот. *Ошхонада ўтган ҳам, кетган ҳам қоқиладиган раскладушкада ётганини мақтайдими?* С. Зуннунова, Олов. *Жувон.. шафтоли тагидаги раскладушкага жой қилиб, чироқни ўчирди.* С. Аҳмад, Таъзим. *Чодирлардан бирига кириб, раскладушкаларга ўзимизни ташладик.* П. Қодиров, Уч илдиз.

РАСМ I [*а.* رسم — чизма, тарх; сурат, тасвир, портрет, фоторасм; из, белги] Қўлда чизилган, босма ёки фотографик тасвир, сурат. *Расмлар билан безатилган китоб. Расм дарси. Расм олмоқ. Расм солмоқ.* ▬ [*Қўзибойнинг*] *Ишлаган расмларидан битта-яримтаси гоҳо деворий газета редколлегиясига маъқул тушиб қолади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ўсмани узиб қўйдим, Сўлиса қўяман деб, Расмингизни сўрадим, Соғинсам кўраман деб.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РАСМ II [*а.* رسم — маросим, урф-одат, таомил; диний маросим] Бирор жамиятда

одат ҳукмига кирган тартиб-қоида; урф, удум, таомил. *Меҳмон олдига дастурхон ёзиш ота-боболаримиздан қолган расм.* ▬ *Уларнинг расми шунақами, ишқилиб, аввал обдан ғазал айтишди, кейин ичкари киришди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Юракка энг яқин кишисини йўқлаш – азал одамзод расми.* «Шарқ юлдузи».

Расм бўлмоқ 1) одат ҳукмига кирмоқ, одатга айланмоқ. *Эҳтимол, пайшанба куни ош дамлаш ўшандан кейин расм бўлгандир?* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик. *Ҳозирги кунга келиб, жамият босиб ўтган йўлни ошкора тадқиқ-таҳлил ва танқид қилиш расм бўлди.* «Ёшлик». *Санжар тарбия топган оилада одамларни навларга ажратиб муомала қилиш расм бўлганлиги сезилиб турибди.* «Ёшлик»; 2) кенг тарқалмоқ, ёйилмоқ; мода бўлмоқ. *Унинг [Дилдорнинг] эгнида ўша пайтларда расм бўлган пушти крепдешин кўйлак, оёғида баланд пошнали туфли.* С. Аҳмад, Уфқ. **Расм қилмоқ** 1) одат ҳукмига киритмоқ, одатга айлантирмоқ. -*Бўш вақтларда шундай физкультурачилар кийимида майдонда тўп ўйнашни бошқаларга ҳам расм қиласан! – деди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) кенг тарқатмоқ, ёймоқ. *Зулхумор шу вақт йигитларга қалпоқни расм қилди.* «Равшан». **Расми кушод** *этн.* Бирор нарсанинг тантанали очилиш маросими. *Янги ҳовлининг "расми кушоди" да иштирок қилган Мирвали банги хўтикдек чилимни кўтариб келади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *..биз бу оқшомни Муҳаммаджон боғида, унинг расми кушодида ўтказдик.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

РАСМАН [*а.* رسمًا – расмий, қонуний тарзда] *рвш.* **1** Расмий равишда, расмиятга мувофиқ. *Дўнанбекнинг меҳмондорчилиги, расман бек қилиб тайинланганига йил тўлиши муносабатига бағишланган бўлса-да, асосий мақсад гап териш эди.* «Шарқ юлдузи». *Наврўз байрамининг халққа расман қайтариб берилиши ниҳоятда адолатли иш бўлди.* Газетадан. *Давлат мустақиллигимизни дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакати расман тан олди.* Газетадан.

2 Қуруқ, расмият юзасидан, расмиятчилик билан. *Расман, юзаки иш кўришларга, ваъдалар беришга.. қатъиян хотима бериш керак.* Газетадан.

РАСМАНА *с.т. қ.* **расмона**. *Расмана кетмон.* ▬ *[Пакана қизиқ] Амирнинг навкарлари, мен яхши разм солдим, расмана навкарлар!* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *Бу кўзлар расмана тикилганда, не-не қизларни қалқитиб, қоқилтирмаган.* М. Мансуров, Ёмби. *Яхшибоев Муҳсинанинг кўнглини топганидан сўнг, ўзи расмана совчилик қилган.* М. М. Дўст, Лолазор.

РАСМИ *рвш. с.т.* Одатга кўра, одатда. *Дадам кулиб гапида давом этади: -Расми, овулга меҳмон келса – танишми, нотанишми, отдами, пиёдами – бари бир, қозоқлар уни яхши қабул қилишади.* Ойбек, Болалик.

РАСМИЙ [*а.* رسمي – маъмурий, маъмуриятга алоқадор] **1** Ҳукумат, давлат ёки бирор ташкилотга оид, шулар томонидан белгиланган. *Расмий вакил.* ▬ *Ўрдага ариза билан мурожаат қиладиган ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Украина расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама этилди.* Газетадан. *У ҳеч кимга, айниқса, расмий кишиларга оиланинг икир-чикирларидан гапирмасди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Ҳукумат, давлат органлари ёки бирор ташкилот томонидан эълон қилинган, чиқарилган, тарқатилган. *Расмий маълумот. Расмий ахборот.* ▬ *Бунга ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги расмий ишга тааллуқли бўлган хатлар, ёзишмалар киради.* «ЎТА». *Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланадилар.* Газетадан. *В. В. Решетов 50 дан ортиқ докторлик ва кандидатлик диссертацияларига расмий оппонент бўлди.* «ЎТА».

3 Қонуний равишда тасдиқланган, расмийлаштирилган. *Расмий ҳужжатлар. Расмий ташкилот.* ▬ *Мамлакатимиз мустақиллигининг расмий даражасини халқаро майдонда янада яққолроқ кўрсатиш учун шундай ташрифлар бўлиши лозим.* Газетадан. *Ҳар эҳтимолга қарши расмий қоғоз олиб келгандим.* «Шарқ юлдузи».

4 Ҳамма қоидаларга, расмият талабларига риоя қилиб бажарилган, ўтказилган. *Расмий таклиф. Расмий мажлис.* ▬ *У [профессор Жамолов] президиумга чиқиб ўтириши билан, расмий қисм ўз-ўзидан юришиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ҳали расмий сўз олганимча йўқ.* «Шарқ юлдузи». *Жум-*

ладан.. расмий ташриф вақтида Европа қайта тикланиш банки билан битим имзоланди. Газетадан.

5 *кўчма* Қуруқ расмият юзасидан бажарилган, қуруқ расмиятдан иборат бўлган. *-Афв этасиз, — деди Тўғайсари расмийроқ оҳангда.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Совчилар шунчаки расмий нарса.* «Шарқ юлдузи». *Умуман, жамоат олдида гапиришни сезмайдиган одам: ўзининг имомлик вазифасига ҳам жуда расмий равишда қарайди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

6 *кўчма* Қуруқ, совуқ. *Замира оғзаки қуруққина сўрашди, Очил ҳам расмий салом берди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

7 Давлат йўли билан олиб бориладиган муомала, ёзишма ва ҳужжат тилига хос бўлган; мактубий. *Расмий услуб.* ▬ *Маълум бўлишича, бу одам ҳам мазкур тилни расмий, қаердадир тасдиқланган тил деб билар, бу тилда сўзланадиган ўлик нутққа жон киргизгани қилинадиган ҳар хил ҳаракатни «қуюшқондан ташқари чиқиш» деб ҳисоблар.. экан.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон. *Республикамизда ўзбек адабий тилининг расмий-иш услубини ўрганиш бўйича илк қадам қўйилган.* «Иш юритиш».

8 Одатдаги, оддий, расмана. *Расмий уй.* ▬ *Мана, кўрмайсанми, расмий одамдан бунинг нима фарқи бор?* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

РАСМИЙЛАШМОҚ Расмий йўл билан тасдиқланмоқ, расмий тус олмоқ. *Ҳужжатлар расмийлашди. Расмийлашган ташкилот.*

РАСМИЙЛАШТИРМОҚ Расмийлашмоқ фл. орт. н. *Қарорни расмийлаштирмоқ.* ▬ *Ҳужжат тайёрлаш ва расмийлаштиришда энг аввало ўзбек тилининг барча асосий қонуниятлари ва қоидаларини маълум даражада тасаввур этиш зарур.* «Иш юритиш». *-Баъзи ҳужжатларни расмийлаштириш керак эди, эртага комиссия келиши мумкин! — дея ғудранди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

РАСМИЯТ [*а.* رسميّت — расмийлик; расмий ҳужжатлар] **1** Бирор ишни, вазифани бажариш учун ўрнатилган тартиб-қоида, ишнинг расмий томони; расмийлик. *Бутун расмиятларга риоя қилмоқ.* ▬ *Агар ўртада расмият бўлмаганда.. бизларни қучмоқчи экани [Лутфилланинг] қиёфасидан сезилиб турарди.* Мирмуҳсин, Созанда.

2 Қуруқ хўжа кўрсинга қилинган иш, хатти-ҳаракат, юзакилик. *[Ҳафиза] Севиклисидан икки хат олди; унинг назарида, бу хатлар расмият учун ёзилгандай туюлди.* Мирмуҳсин, Умид. *Гуреевнинг саволларига расмият учунгина жавоб берди-ю, ўзига кўрсатилган креслога ўтирди.* С. Кароматов, Олтин қум.

РАСМИЯТЧИ Қуруқ расмиятга ёки такаллуфга риоя қилувчи; бюрократ. *-Жуда расмиятчи бўла берма! Мен ҳамма нарсага расмий қарай берадиган одамларни ёқтирмайман, — деди Шукур Каримович Умидга.* Мирмуҳсин, Умид. *Ишларингизнинг қадрини мана шунақа ҳовлиқмалар, маҳмадоналар, расмиятчилар туширяпти.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бутун юриш-туриши, кўз қарашларидан ғирт.. расмиятчига ўхшаб кўринган одамнинг «санъатингизни ўргатинг» деган сўзи [Тешавойга] мойдек ёқиб тушди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

РАСМИЯТЧИЛИК Қуруқ расмиятга ёки такаллуфга берилиб кетишлик; юзакилик, тўрачилик. *Расмиятчиликка чек қўймоқ.* ▬ *Бу лақаб ҳар қандай расмиятчиликни улоқтириб ташлаб, уни [Аҳмадни] яна ўша беғам студентлик даврига чорлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бу расмиятчиликни бажариш фарзанд учун оғир, шарафли.. Ҳам қарз, ҳам фарз.. Зеро, ҳаёт занжири тамомила узилмаганлигини англатувчи бир удум..* «Ёшлик». *Ҳамон тармоқда расмиятчилик ва тўрачилик, хўжа кўрсинга ишлаш ва кўзбўямачилик ҳоллари кўп.* Газетадан.

РАСМЛИ Расм чизилган, расм билан таъминланган, расм солинган. *Расмли китоб.*

РАСМ-ОДАТ *қ.* **расм-русум.** *Бу расмодатга аёл зоти борки, рози бўлмай иложи йўқ.* К. Яшин, Ҳамза.

РАСМОНА [*а.* + *ф.* رسمانه — оддий, одатдаги] **1** Рисоладаги, оддий, расмана. *Қиз расмона кетмон билан тез ва пишиқ ишлаб кетди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Чинакамига, астойдил, ростакамига. *Гўёки ўзининг армони эканини расмона англайдиган ягона одам ҳам унинг ўзи.* «Ёшлик». *Шоиргаям қийин, битта ўзини деб расмона уруш очолмаса.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

3 Шунчаки, юзаки. *Буларнинг ҳаммаси шунчаки расмона ишлар.* «Ёшлик».

РАСМ-РУСУМ [*а.* رسم – расм + رسوم – расмлар] Расм ва таомиллар, урф-одатлар. *Кўп камбағаллар бу эски расм-русум ва одатларни бажо келтираман деб, неча йиллар қиз чиқара олмай, ўғилларини уйлантира олмай сарсон бўлардилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Тошкентликларнинг расм-русумлари бу жойларга ҳам ёйилибди, фақат карнай-сурнай йўқ.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Ота-боболаримиз азалдан мусулмончилик расм-русумларига қаттиқ амал қилиб, ҳалол-покиза умр кечирганлар.* Газетадан.

РАСМЧИ *с.т.* **1** Расм олувчи, сураткаш; фотограф. *Расмчи йигит.*

2 Рассом.

РАСО [*ф.* رسا – тўлиқ, бутун, етарли; мукаммал] **1** Ками йўқ, тўлиқ, бут. *Расо пачкалар. Пул расо чиқди.* ▬ *[Алишернинг] Кетганига бугун расо бир ой бўлди. Нега бунча ҳаяллади экан?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Ақлий жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган; етук, баркамол. *Хотин бўлса қобилу ақли расо, Эрин шоҳ этар, гарчи бўлса гадо.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Усмонали ака ер илмини ҳаммадан кўра яхши биладиган ақли расо одамга ўхшайди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

Расо қилмоқ 1) бут қилмоқ, тўлдирмоқ, расоламоқ. *Пачкани расо қилмоқ;* 2) вояга етказмоқ, камолотга эриштирмоқ, етилтирмоқ. *Афтидан, буларни машқ қилдиришга, машқини тезроқ расо қилиб, фронтга жўнатишга ҳеч ким шошилмас ва лозим ҳам кўрмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Қадди расо** Қадди, бўйи-басти келишган, қоматли. *Эшон ая қадди расо, кўзидан сурма, юзидан упа-элик аримаган кўҳлик бир хотин эди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 Бутунлай, тамоман.

РАСОЛАМОҚ **1** Бут қилмоқ, расо қилмоқ, тўлдирмоқ. *Асбоблар комплектини расоламоқ.*

2 Нишонга тўғри урмоқ, тўғриламоқ. *Ханжарингни дадил суғур қинидан Ва расолаб санчгил ўнг биқинидан!* Миртемир, Асарлар.

РАСОЛИК Етуклик, камолотга эришганлик. *Фикримни дарҳол қувватлагани ақли расолигидан, донолигидан далолат беради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *[Ферузанинг] Ўзи озғин, бели нозик бўлса ҳам, болдирлари, билаклари тўлишиб, қаддига ажиб расолик бахш этади.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

РАСПИСКА [*р.* расписаться – «қўл қўймоқ, имзо чекмоқ» фл. дан ясалган от] *с.т. қ.* **тилхат**. *У кўзларини чирт юмганича, яна гапирди: -Истасанг, иккинчи бундай қилмасликка расписка бераман. Кўр эканман, қаддингни билмаган эканман.* С. Аҳмад, Сайланма.

РАССОМ [*а.* رسّام – чизмакаш; тасвирчи, мусаввир] Расм солувчи санъаткор; сураткаш. *Ўзбек халқ рассомлари.* ▬ *Нозик дидли рассомларни ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] хаёлини банд этди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Рассом ўз асарларини бошқа санъаткорларга ўхшаб халқ оммасига кенг тарқатиш имкониятига эга эмас.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ёзувчи билан рассом қўлни қўлга бериб, дўстона хайрлашишди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

РАССОМЛИК Расм солишдаги ижодкорлик, сураткашлик. *Рассомлик санъати.* ▬ *..Ошно ортиқча гап кавлаб ўтирмади. Авалбекнинг дипломатик ўқишини ташлаб, рассомлик қилиб юрганини кечирди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Ҳа, иннайкейин. Қўзибой рассомликдаям чаканамас-да. Ишлаган расмларидан битта-яримтаси гоҳо деворий газета редколлегиясига маъқул тушиб қолади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

РАССОМЧИЛИК *айн.* **рассомлик**. *Сиз рассомчилик факультетининг иккинчи курс студенти Чароснинг онасимисиз ахир?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Рассомчиликка қизиқиш уни 1969 йили Беньков номидаги рассомлик билим юртига етаклади.* Газетадан.

РАСТА I [*ф.* رسته – қатор; қаторга қўйилган, қаторда турган] Бозорларда бир турдаги мол билан савдо қиладиган дўконлар қатори ва улар ўртасидаги бозор, кўча, йўлак. *Чит растаси.* ▬ *Чамаси, касалхона яқинидаги бу бозорча ўзидан-ўзи пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб, устига рангдор пластмасса шифер ёпиб қўйилган эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Келтирилган қоп-қоп гуручларни тушириш керак, расталарга жойлаш керак.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Баширжон раста оралаб юраркан, ён томондан таниш бир овоз келди: -Ҳо, жиян!* Н. Аминов, Суварак.

РАСТА II [*ф.* رسته – ўсиб етган, пишиб етилган] *с.т.* Балоғатга етган пайт; балоғат.

Раста бўлмоқ Балоғатга етмоқ.

РАСТА-РАСТА Қатор-қатор, кетма-кет. *Раста-раста ўтади ёшлар, Таъзимдадир куёв ва келин.* Т. Тўла, Асарлар. *[Содиқ мингбоши:] Сенларга раста-раста қилиб бозор очиб қўйган ким ўзи?* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

РАСТРАТ(А) [*р.* растрата – сарф қилиб қўйиш] *с.т. эск.* Давлат ёки жамоат пулини, мол-мулкини қонунга хилоф равишда сарфлаш, ўзлаштириш, еб қўйиш. *Растрат қилмоқ. Растратни ундирмоқ.* ▬ *Растрат учун ҳовли мусодара қилинадиган бўпти.* С. Аҳмад, Юлдуз.

РАСТРАТЧИ *с.т.* Пул, мол-мулкни ўз манфаати учун сарф этган киши.

РАСУЛ [*а.* رسول – чопар, вакил; элчи; олдиндан хабар берувчи] **1** Оллоҳнинг вакили, элчиси (Муҳаммад пайғамбарнинг сифати). *Набилар, расуллар, доҳийлар унда, Қабрлар, қасрлар тургандир қатор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Худо ва Расулга бўлган ҳақорат – куфр ва муртадлик бўлиб, кофир ва муртаднинг жазоси қатл, дорга осилиш ва сангсор қилиш эмасми?* С. Айний, Қуллар.

2 Расул (эркаклар исми).

РАСУЛУЛЛОҲ [*а.* رسول‌الله – Оллоҳнинг расули] *айн.* **расул 1.** *Бир кун сўрадилар Расулуллоҳдан: -Тақдир ҳукми экан – бўлгани бўлди, Зарра фойда йўқдир гарчи оҳ-воҳдан, Айтинг, мен нетайин, падарим ўлди?* А. Орипов, Ҳаж дафтари.

РАСЧЁТ I [*р.* расчёт – ҳисоблаш, ҳисоблаб чиқариш; ҳисоб-китоб қилиб (ҳақини бериб) ишдан бўшатиш; ўч олиш] **1** *тех.* Лойиҳалаш маҳалида керакли маълумотларни ҳисоблаб чиқариш. *Буғ қозонининг расчёти.*

2 *бухг. қ.* **ҳисоб-китоб.** *Ғани ака тушунтирди: -Гузарда завхоз бизни учратди-ю, Инжиқободдаги мактаб боғига олиб бориб, олмаларнинг тагини чоптирди. Ундан кейин шеригимга расчёт бериб, менга мактаб орқасидаги ариқларни тозалатди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *с.т.* Ўч олиш, ҳисоблашиш. *Ҳа, бир мушт урдим, ўртоқ полковник, икки мушт кўтара олмас эди. Чамаси, биз қарздор, расчётни Берлинда қиламиз.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

РАСЧЁТ II [*р.* расчёт – ихтисослашган жангчилар гуруҳи] *ҳарб.* Битта тўп (замбарак), пулемёт ёки миномётни бошқарувчи жангчилар гуруҳи. *-Жангга ҳозирланинг! – взвод командирининг буйруғи расчёт жангчиларини сергаклантирди.* Газетадан. *Тирик қолган жангчиларни дарҳол ҳар иккала тўп расчётига бириктириб, тўпларни жанговар ҳолатга келтирди.* Газетадан.

РАТИФИКАЦИЯ [*лот.* ratificatio < ratus – ҳал қилинган, тасдиқланган + facere – қилмоқ, бажармоқ] **1** Халқаро шартнома ёки конвенциянинг олий давлат ҳокимияти органи томонидан тасдиқланиши (айни мамлакатларда қонуний кучга киритилиши). *Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясига ратификация учун киритилган ҳужжатлар ҳақида ахборот тингланди.* Газетадан. *Ўзбекистон ҳукумати халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияларни ўзгартиришга доир яна 13 та баённомани ратификация қилди.* Газетадан. *Инсон ҳуқуқлари бўйича яна бир қанча халқаро ҳужжатлар кўриб чиқилиши ва ратификация қилиниши мўлжалланмоқда.* Газетадан.

2 Баъзи мамлакатларда (мас., АҚШда) конституцияга киритилган тузатишларни тасдиқлашнинг махсус тартиби. *Мальта парламенти Европа иттифоқи конституциясини ратификация қилди.* Газетадан.

Ратификация ёрлиғи Халқаро шартномалар ва конвенцияларни тасдиқлашда расмийлаштириладиган ва олий мартабали раҳбарлар томонидан имзоланадиган расмий ҳужжат.

РАТУША [*пол.* ratusz < *нем.* Rathaus < Rat – кенгаш + Haus – уй] **1** Баъзи хорижий мамлакатларда ва 18–19-асрларда Россияда: шаҳар ўз-ўзини бошқариш идораси.

2 Европанинг бир қанча мамлакатларида шундай идора, орган жойлашган бино.

РАУНД [*ингл.* round – тўгарак, давра, доира] **1** Боксда бир қур жангнинг ўзи учун ажратилган ва уч дақиқа давом этадиган муддат (ҳаваскор ва профессионал боксчилар жангида раундлар сони ўзаро фарқланади). *Қитъавий чемпионлик камари учун рингга чиққан ўзбекистонлик Қувонбек Тойганбоевнинг шиддатли зарбаларига Кван Хун Жим (Жанубий Корея) бир раунд ҳам бардош бера олмади.* Газетадан.

2 Халқаро муносабатларда музокаралар жараёнидаги алоҳида, мустақил босқич.

РАФ [*ф.* رف – деворнинг баландроқ қисмида ўйиб ясалган токча; идиш токчаси]

Дераза токчаси. *Тасаввур қилдики, у ўзи йўлакдаги дераза рафига тизилган гуллар ортидан томоша қилиб туради.* М. М. Дўст, Лолазор. *Катта дераза рафидаги тувакда ўсган бодринг палак отиб, шифтга етай деб қолибди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

РАФИНАД [*фр.* raffinade – тозалаш] Шакарга махсус ишлов бериш орқали турли шаклларда тайёрланган оқ қанд.

РАФИНАЦИЯ(ЛАШ) [*нем.* Raffinieren < *фр.* raffiner – тозаламоқ] Саноатнинг турли тармоқларида металлар ва қотишмалар, ёғ ва мойларни кераксиз ёки зарарли қўшимчалардан тозалаш.

РАФИҚ [*а.* رفيق – йўлдош; шерик, ўрток, дўст; маъшуқ, маҳбуб] *кт.* **1** Ўртоқ, дўст. *-Эй, муҳтарам рафиқларим, дўстларим, – дея мурожаат этди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб. *Якка ўзим нима иш қилай, Рафиқларим бор бўлса экан.* «Гулнорпари». *Саждага бошинг уриб фарёд чекма, эй рафиқ, Энди сен топгаймидинг, топмабди-ку ағёрлар.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Умр йўлдоши; эр. *[Марям Қодиржонга:] Мен ҳам ўқиган, тўғри рафиқ истаган хотинман.* Ҳамза, Ким ўғри?

3 Рафиқ (эркаклар исми).

РАФИҚА [*а.* رفيقه] *кт.* **1** Дугона, ўртоқ, дўст.

2 Умр йўлдоши, хотин, ёр. *Фарзандим, отам, рафиқам – мендин сўнг ёнар чироғим – ана шу дўстларим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ишдан ҳориб қайтдинг, дилгир, ҳойнаҳой, Рафиқанг узатди бир пиёла чой, Унут бўлди шунда зоринг, чарчоғинг, Кўнгилдан бир нафас кетди ғуборинг.* А. Орипов, Йиллар армони. *Юзидан мулойимлик, эрига итоат, тўғрилик маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси – Офтоб ойим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Рафиқа (аёллар исми).

РАФТ [*ф.* رفت – бориш, жўнаб кетиш] *с.т.* Шашт; ғайрат; кайфият. *Махсумнинг рафти йўқ экан, қўлида титилган бир китоб, мунғайиброқ ўтирарди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

РАФТ-ОМАД, рафту омад [*ф.* رفت‌وآمد – борди-келди; бориш ва келиш] *кт.* **1** Борди-келди муносабатлари, бориш-келиш. *У билан бизнинг рафт-омадимиз йўқ.* ▬ *Олимжон тарафидан келтирилмиш янги либосларга ўралган Абдулқаҳҳор иккинчи бир зўр давлат нишоналарини кутиб, аввалги давлатига шерик бўлган, иззат ва ҳурмат қилган ошноларни эндиликда ҳеч бири била рафт-омад қилмасликка.. ҳар нафасда қасамлар ёд қилмоқда эди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Юриш-туриш, оёқ олиш. *Йигитнинг рафт-омадига қараганда.. шоҳона бир участкани қонуний йўл билан қуриб, баъзи таъна-маломатларни даф айлабдир.* Ғайратий, Довдираш.

Рафт-омадини олмоқ Разм солиб, кузатиб, бутун сиру асрорини билиб олмоқ, азмойишини олмоқ. *-Ўғлим, – дедилар* [*эшон Шум болага*] – *мана энди бизга анча хизматинг сингди. Ички-ташқининг рафт-омадини олдинг.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

РАФТОР [*ф.* رفتار – юриш, қадам ташлаш; юриш-туриш, феъл-атвор] *эск. кт.* **1** Хатти-ҳаракат, юриш-туриш, қадам олиш. *Лекин адо бўлгур мени хушламади, рафторим, юриш-туришим ёқмаган эмиш.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Од капитанни танигандн, албатта, бироқ унинг рафторидан ғирт телба эканлигини англаб, янада ҳайратга тушди.* «Ёшлик». *Асқар ота, бу ҳурматли жувон бошқа хотинлардан рафтори билан ажралиб турар, деган бир ўйда эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 *кт. кўчма* Юз, бет; ташқи кўриниш. *Юнусхоннинг рафтори дув қизариб, зумда аслига қайтди.* «Ёшлик». *Сал чимирилган қошлари демаса, Авазнинг рафторидан бир нима англаб олиш қийин эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РАХ [*ф.* رخ – кертик (кертма) белги; дарз, ёриқ; тирқиш] **1** *айн.* **рахт 1**.

2 Эшик, девор ва ш.к. ларнинг бурчаги, қирраси, зиҳи. *Рах чиқармоқ.* ▬ *Муқаддам айвон деразасининг муздек қиррадор рахига пешонасини босди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Гавҳар бу гапни ёзишни ҳам, ёзмасликни ҳам билмай, тирсаклари билан стол рахига таянганича, узоқ ўтириб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Деразанг рахида ёронгул ўсар. Мен сени соғиндим.* Х. Даврон. *Пошша хола айвон рахидан икки бўз сурп олиб келди, ерга ёзди..* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 *с.т. кўчма* Кийим-кечак қирраси. *Рахи чиқсин, деб матрас тагига ёзиб қўйган шимини олиб кийди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Тилла сочини жайранинг сихидек тиккай-*

тириб тараган, енги шимариқ оқ кўйлак, рахи қийшиқ шимда. Э. Аъзамов, Жавоб.

РАХИТ [*юн.* rhachis – умуртқа] Ёш, эмизикли болалар организмида D витамини етишмаслигидан минерал моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келадиган ва суяк ҳосил бўлиш жараёнининг ҳамда нерв системаси функцияларининг бузилиши билан кечадиган касаллик. *Остеопороз, рахит каби касалликлар сифатсиз овқат истеъмол қилинганидан дарак беради.* «Фан ва турмуш».

РАХНА [*ф.* رخنه – тешик, ёриқ; ўпирилган жой; шикаст(ланиш)] **1** Ўйилган, ўпирилган жой, тешик, ёриқ. *Рахналарига янтоқ ва шох босилган паст деворли ҳовлиларнинг бузилган уйлари ташқаридан кўриниб турар эди.* С. Айний, Қуллар. *[Отабек] Хароба иморатларнинг ўрта бир еридаги рахнадан ошиб тушиш қулайроқ бўлгани учун, шунинг остига шумшайиб ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Путурдан кетган, бўшашган жой, нозик ер.

Рахна солмоқ Путур етказмоқ, тагидан зил кетказмоқ. *Охир-оқибатда у интизомни мустаҳкамлашга эмас, аксинча.. жамоаларнинг қонунчиликка бўлган ишончига рахна солади..* Газетадан. *Мен қатъий ишонч билан айта оламанки, бу кимсалар пок ниятли, эътиқоди мустаҳкам халқнинг маънавиятига, унинг тинч ҳаётига, бунёдкорлик ишларига асло рахна сола олмайди.* Газетадан. *Оббо, Қоработир бўлиб қолдинг шекилли. Бировнинг севгисига рахна солишинг қолувди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Юракка рахна солмоқ** Юракни яраламоқ, юракни доғ қилмоқ. *Мақсад – юракларга солишдир рахна, Мудҳиш қабиҳликнинг кирдикоридан.* Ж. Жабборов.

РАХТ [*ф.* رخت – уй-рўзғор жиҳозлари; кийим-кечак] **1** Пойабзалнинг тагчарм билан бошлиғи бириккан еридаги гир айлана нақшдор бўртиғи. *Рахт солиб тикилган этик.*

2 Зийнат, ҳашам. *Кулоҳ кийиб йўл бошладим, Очилмади менинг бахтим! Бузилгандир бунда рахтим! Сабил бўлди тожу тахтим!* «Ширин билан Шакар». *Булбул бойламасин гулнинг рахтини, Худо очсин эрйигитнинг бахтини.* «Юсуф ва Аҳмад».

РАХТЛИ Рахт солиб тикилган, рахт солинган. *Рахтли этик.*

РАЦИОН [*нем.* Ration < *лот.* ratio, rationis – ўлчов, ҳисоб; ҳисоблаб чиқариш] Маълум муддатга мўлжалланган, миқдори ва таркиби белгиланган овқат ёки озуқа, ем. *Кўп сут соғиб олишнинг сири кўп, бунинг учун сигирларни рацион асосида боқиш лозим.* ▬ *Бир куни у сигирларига рациондагидан кўп ем берган экан, бу гап бутун қишлоққа овоза бўлди.* «Ёшлик».

РАЦИОНАЛ [*лот.* rationalis – оқилона, ақлга мувофиқ, тўғри; маъқул] Ақлга асосланган, мақсадга мувофиқ, оқилона, тўғри, маъқул. *Ишнинг рационал усули.* ▬ *Бўш вақтдан рационал фойдаланиш натижасида меҳнат ижодий характер касб этиб, кишиларнинг унга муносабати ҳам ўзгаради.* «Фан ва турмуш». *Аҳолининг тўғри ва рационал овқатланишини, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар истеъмол қилишини таъминлашга эришиш зарур.* Газетадан.

Рационал сонлар *мат.* Барча бутун ва каср сонлар (мусбат, манфий сонлар ва ноль сони).

РАЦИОНАЛИЗАТОР Рационализация қилувчи, ишлаб чиқариш жараёнларини ихчамлаштирувчи ва такомиллаштирувчи. *Рационализатор томонидан яратилган янгиликлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланмоқда.* Газетадан. *Комбинатда сифат ва самарадорликнинг ортиб боришида ихтирочи ва рационализаторларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.* Газетадан.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК Аниқ бир машина, технологик жараён, деталь ва б. ни такомиллаштиришга, иш унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган фаолият; шундай фаолият билан шуғулланиш. *Рационализаторлик таклифлари.* ▬ *Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришга ёшлар ҳам фаол қатнашяптилар.* Газетадан. *Ҳозир корхонада рационализаторлик таклифлари билан шуғулланаётганларнинг сони тобора ортиб бормоқда.* Газетадан.

РАЦИОНАЛИЗАЦИЯ [*лот.* rationalis – ақлга мувофиқ, оқилона] Бирор ишни, ишлаб чиқариш жараёнини ва унинг методларини тобора такомиллаштириш, ихчамлаштириш, мақсадга энг мувофиқ равишда ташкил этиш.

РАЦИОНАЛИЗМ [*фр.* rationalisme < *лот.* rationalis – ақлга, ақл-идрокка асосланган] *флс.* Ақлни ҳақиқий билишнинг асосий, ҳал қилувчи манбаи деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

РАЦИОНАЛИСТ Рационализм тарафдори.

РАЦИОНАЛЛАШМОҚ Рационализация натижасида такомиллашмоқ, ихчамлашмоқ. *Рационаллашган иш усуллари.*

РАЦИЯ [«ра(диостан)ция» с. нинг қисқарган шакли] Қабул қилувчи ва эшиттирувчи кўчма радиостанция. *Капитан Азро қовоғидан қор ёғиб, рация орқали кимгадир жаҳл билан гапирарди.* «Ёшлик». *Рация чўзиб-чўзиб гудок берди. Шофер трубкани олиб, яна босиб қўйди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Уларни соқчилик машинасига келтириб, рация орқали навбатчи қисм билан боғланишганда, ҳамма нарса ойдинлашди.* Газетадан.

РАШК [*ф.* رشک – қизғаниш; кунчилик; кўра олмаслик; рақиблик] **1** Яхши кўрган кишисини бировдан қизғаниш, кунчилик. *Севги бор ерда рашк бор.* Мақол. ▬ *Кўксимда яна юракни ўртовчи рашк аланга олди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Сен дейсан, дилим пок, рашкдан йироқман. Сен ундинг, мен эса ҳануз тупроқман.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Кўролмаслик, ғашлик, ҳасад. *[Канизак:] Биламан, мусобақадош икки кишидан бирининг ютуғи иккинчисининг рашкини эмас, ҳавасини, ғайратини келтириши керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Одамнинг икки душмани бўлса, биттаси – рашк, иккинчиси эса ўзини идора қила олмаслик.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

РАШКЛИ 1 Севгилиси, ёри ёки яхши кўрган кишисини ҳеч кимга ишонмайдиган, қизғанчиқ, кунчи. *У жуда рашкли эди.*

2 Ҳасад қиладиган, кўролмайдиган; ҳасадчи. *Рашкли одам. Рашкли иш синдирар тиш.* Мақол.

РАШКЧИ 1 Яхши кўрган кишисини бировдан қизғанувчи, рашк қилувчи киши. *Сен мени эркала дунёнинг энг гўзал сўзлари билан, Сен мени қизғангин энг рашкчи аёлнинг кўзлари билан.* «Ёшлик». *Ортиқнинг хаёлига ялт этиб рашкчи Собир келди: Хумпар, жаҳл қилиб, чироқни ёқмай ўтирган бўлса-чи?* М. Мансуров, Ёмби. *Агар.. хатлардан бирортаси ёзувчи бўлмаган одамнинг рашкчи хотини қўлига тушиб қолса борми, ўша уйда нима бўлишини кўз олдингизга келтира оласиз.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 *қ.* **рашкли 2**. *[Олима] Кийим танлашда, соч турмаклашда дидсиз, аммо тили бийрон, жанжалкаш, ўта рашкчи, қадам ташлашданоқ тажанглиги билиниб турадиган аёл.* С. Кароматов, Ҳижрон.

РАШКЧИЛ *с.т. қ.* **рашкчи 1.** *Бундай рашкчил муҳаббатнинг келажаги яхшилик билан тугамади.* «Ёшлик».

РАШК-ҲАСАД, рашку ҳасад Рашк ва ҳасад, ўта кўролмаслик. *Чунки мен: «Улар мени қолдириб, ўзлари созандаларга қўшилиб, бошқа тўйхонага боргандирлар», деб ўйлаб, рашк-ҳасад билан безовта бўла бошладим.* С. Айний, Эсдаликлар. *Устод Қавом, гарчи отасининг яқин ошнаси бўлса ҳам, бу икки донгдор меъмор ўртасида азалий бир яширин рашку ҳасад мавжуд..* Мирмуҳсин, Меъмор.

Рашк қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ҳасад қилмоқ, қизғанмоқ. *Рашк этиб ҳасрат ила қолди рақиблар ҳайрон, Шону шавкат бирла бир келди, аломат келди.* Ҳабибий, Девон. *Йигитликда дилим бўғдинг, қайирдинг, Кўролмай, рашк этиб, ёрдан айирдинг.* Ҳабибий, Девон.

РАЪЙ [*а.* رأی – фикр, нуқтаи назар, қараш, мулоҳаза; ақл, идрок] Хоҳиш, майл; рағбат. *Бировнинг раъйига қарамоқ. Раъйига юрмоқ.* ▬ *Дўстларим, мен сизга талпинган дамда Қалбимда бўлади ёлғиз бир раъйим: Хиёнат бўлмаса дейман ҳеч кимда, Дўстларнинг имони бут бўлса доим.* А. Орипов, Йиллар армони. *Бозорова янги эмасми, бошлиқнинг раъйига қараб иш тутишга ҳаракат қилади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Иншоолло, бул андишамиз киромларга маъқул тушган тақдирда, жанобининг тождорнинг ҳам раъйларини олмоқ.. маъқулдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РАЪНО [*а.* رعنا – гўзал, зебо; *л.м.* енгилтак, мулоҳазасиз; ўйламасдан қилинган] **1** Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик ва унинг қизил ёки сариқ хушбўй гули. *Райҳонлар, раънолар, оқ, пушти гуллар – она табиатнинг қизалоқлари.* «Ёшлик». *Чучмома, раъно, бинафша – кўзни боғловчи фаранг.* Ғ. Ғулом, Шеърлар.

2 *кўчма* Гўзал, барно аёл ҳақида. *Чаманга бахш этди беқиёс камол Бир раъно ишқида куйиб-ёниши.* М. Икром. *-Меники муболаға*

эмас, — деди Анвар, — масалан, сен ҳозир гуллар ёнидасан, ҳам чиндан-да гулларнинг раъносисан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сен сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

3 Раъно (хотин-қизлар исми).

РАЪЯ [*а.* رعايه — ғамхўрлик, эътибор; парвариш; ҳомийлик] *с. т. айн.* **риоя 1.** *Раъя қилмоқ.* ▬ *Бой экан, деб қўрқиб ҳурмат қилманглар, Амалдорни раъя қилиб турманглар!* «Маткарим полвон». *Тоғам деб мен раъя қилиб турмайман, Ёмонларнинг жазосини бергайман.* «Интизор».

РАЪЯ-АНДИША Ҳурмат юзасидан ёки бирор кимса билан босиқ ва тортиниброқ қилинадиган муомала. *Раъя-андиша қилмоқ. У раъя-андишани билмайди.* ▬ *-Кошкийди, ҳаммамиз шунақа очиқ гапиришга ўргансак. Қачонгача, ахир, раъя-андиша қилиб, айбимизни хаспўшлаймиз, — деди Қурбон ота раисга.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

РАҚАМ [*а.* رقم — сон, миқдор; сана; номер] **1** Сонни ифодаловчи график белги. *Бу рақамлар ҳар қандай баландпарвоз гаплардан қудратли ва рад қилиб бўлмас фактлардир.* С. Аҳмад, Уфқ. *Сен дунёга келдинг, юртим боласи, Ўн саккизинчи миллион рақами билан.* «Ёшлик». *Табиийки, бу рақам сизни даҳшатга солади.* Газетадан.

2 Бирор сон билан ифодаланган миқдор, кўрсаткич. *Раиснинг охирги якунловчи сўзи, Қўчқоровнинг нутқидай, рақамлар, муваффақиятлар, мақтовдан нари ўтмади.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Бир турдаги предметларга тартиб билан қўйилган сон; номер. *Тартиб рақами.*

РАҚАМЛАМОҚ Тартиб билан рақам қўйиб чиқмоқ, номерламоқ. *Дафтар бетларини рақамламоқ.*

РАҚАМЛИ 1 Сонлар, рақамлар билан ифодаланган, рақамга эга бўлган. *Рақамли ҳисоблаш машинаси.* ▬ *76-АТС доирасида ҳам келгусида 1440 та телефон нуқтасига эга бўлган янги рақамли ускуна ўрнатиш режалаштирилмоқда.* Газетадан.

2 Тартиб рақамлари қўйилган, рақамланган, номерланган, номерли. *Иккинчи рақамли уй.*

РАҚИБ [*а.* رقيب — соқчиликда турувчи; назоратчи, кузатувчи; айғоқчи; нозир] **1** Душман, ағёр, ёв. *Сиёсий рақиблар.* ▬ *Отабек қўлларини бўшатувчи қўрбошининг бунчалик титраб-қалтирашидан ўз рақибларидан биттаси шу киши бўлганини ўйлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Вақт ўтиши билан рақиб томонлар келишиб олиши мумкин бўлган позициялар бой берилмоқда.* Газетадан.

2 Бирор нарса, кимса учун талашувчилар, курашувчилар, рақобат қилувчилар (бир-бирига нисбатан). *Сўрсангиз ҳолим, азизлар, сийнаси афгорман, Қорaботирдир рақибим, Зуҳра қизга ёрман.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Мирвали шу пайтгача рақиб деб тахмин қилиб юрган ҳамқишлоқларининг таъзирини беришни дилига тугиб қўйди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *..Қаҳҳор шартта тўхтаб, бутун гавдаси билан рақибига юзланди. -Айтар гапингни айта қол шу ерда, юрамизми энди узун-қисқа бўлиб?! — деди Тоштемир.* «Ёшлик».

3 Спорт ўйинлари, тортишув, мунозара ва ш.к. да қарама-қарши томонлар (бир-бирига нисбатан). *Рустам, тўрнинг нариги томонидан туриб, тўпга сакраётган рақибини кўрди-ю, қисилган пружинадек осмонга сапчиди, шундай зарб билан урдики, тўп рақибининг бошига тегиб, чеккага учиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Рақиб деганнинг киройи айтишга сўзи, муштлашишга мушти бўлса.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

РАҚБА *шв. айн.* **раҳба.** *Отларни кўм-кўк барра ўтлар ўсиб ётган рақбада яйдоқ қолдиришди.* «Ёшлик».

РАҚИБЛИК Кўролмаслик, душманлик. *Рақиблик қилмоқ.* ▬ *Эшикдан чиқиши ҳамон Анварга рақиблигини ошкор қилиб қўймасликни ғойибдан тилади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

РАҚОБАТ [*а.* رقابت — кузатиш, назорат] **1** Басма-басликка беллашув; ким ўзди. *Барчамиз мана шундай кескин рақобат шароитида ғалабага эришиш, муносиб ўрин эгаллаш нақадар оғир ва машаққатли кечганининг гувоҳи бўлдик.* Газетадан. *Нега деганда, рақобат бўлмаган, боқимондалик, давлат ҳисобидан кун кўриш кайфияти устун бўлган жойда бундай илғор тартиб ва ёндашув мутлақо бўлмаслиги табиийдир.* Газетадан.

2 Талабгорлар, рақиблар кураши. *Кундошлар рақобати.* ▬ *Кумушнинг рақобат ўти бир оз ўча тушган эди, уч-тўрт кунлик можародан яхшигина ҳасрат очилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *иқт.* Мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман, иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш. *Қишлоқ жойларда рақобат қила оладиган корхоналарни ташкил этишнинг барча мураккабликларини бартараф этиш ва республика қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш керак. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди.* Газетадан.

РАҚОБАТБАРДОШ [рақобат + бардош] *иқт.* Рақобатлаша оладиган, рақобатга чидайдиган. *Бу ерда йилига 4,5 минг тонна рақобатбардош калава ишлаб чиқарилади.* Газетадан. *Улар [ишбилармонлар] халқ хўжалигининг турли соҳаларида мавжуд бўлиб, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.* Газетадан.

РАҚОБАТБАРДОШЛИК Рақобат кила олишлик, рақобатга чидашлик; рақобатга кириша олиш қобилияти. *..Ўзбекистондаги кичик қишлоқ корхоналари маҳсулотларнинг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлай олади.* Газетадан.

РАҚОБАТЛАШМОҚ Беллаша олмоқ, тенг келмоқ, рақобат қила олмоқ. *Эндиликда Тошкент қомат кериб, гўзаллашиб, жаҳондаги энг ажойиб шаҳарлар билан рақобатлашадиган даражага етди.* Газетадан. *Бу йўл билан.. ташқи бозорга ҳам фаол аралашган ва рақобатлаша бошлаган бўлур эдик.* Газетадан.

РАҚОБАТЧИ 1 Рақобат қилувчи киши ёки томон. *Бир-икки ойдан кейин бўлса ҳам, уларга [яна бир] рақобатчи [Анвар] ортади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *иқт.* Бозор иштирокчилари, товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида курашувчи шахс. *Бозорда рақобатчилар қанча кўп бўлса, деҳқонга шунча яхши.* Газетадан.

РАҚОБАТЧИЛИК *иқт.* Ўзаро рақобат қилишлик, рақобатбардошлик. *Фақат янги мулкдорлар пайдо бўлиб қолмасдан, балки рақобатчилик муҳити ҳам аниқ шаклланиб бормоқда.* Газетадан. *..рақобатчиликни вужудга келтириш учун шароит яратиш керак.* Газетадан.

РАҚС [*а.* رقص – ўйин, ўйинга тушиш ва унга мослаб ёзилган мусиқа] **1** Раққос(а)нинг гармоник ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги, юз имо-ишоралари ва б. орқали образ яратишдан иборат санъат тури. *Ўзбек миллий рақслари. Рақс тарихи.*

2 Турли мақомлар билан бажариладиган ритмик ҳаракат; оёқ ўйин ва шундай ўйин учун ёзилган мусиқа. *Рақс мусиқаси. Рақс(га) тушмоқ. Рақс қилмоқ.* ▬ *Қобил ҳам қизишиб, билар-билмас, фарғоначасига рақсга туша бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шийпонда енгил куй янграмоқда, хушқад, хушсурат бир жувон рақс тушмоқда.* О. Ёқубов, Диёнат. *Бир-биридан шўх, бир-биридан ўйноқи оҳангларга ёш-яланглар рақс тушишяпти.* Газетадан.

3 Оёқ ўйин, танса кечаси, базм. *Рақслар бошланур, гул ўйин, чапак, Ҳунарин кўрсатар қиз, жувон, хоним.* Ғ. Ғулом.

РАҚҚОС [*а.* رقّاص – ўйинга, рақсга тушувчи] Рақсга тушувчи санъаткор эркак; ўйинчи. *Зангиота сайридаги базмда ноғора ва чилдирма авжга чиққан, сурнайлар чийиллаган, ўртада ёш раққослар ўйин тушиб турар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Кўриб раққослар ҳайратда қолди, Адашди рақсидан, ҳатто уялди.* Ҳабибий, Девон. *Самандар – актёр, сўз устаси, раққос ва хонанда.* Газетадан.

РАҚҚОСА [*а.* رقاصه – ўйинга тушувчи аёл; балерина] Раққос аёл. *Саҳнага раққоса қизлар чиққанда, Нормамат узоқ вақт қидирган нарсасини топгандай қувонди.* «Ёшлик». *У шу тобда гўзал раққосани жудаям кўргиси келиб кетди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

РАҚҚОСЛИК Рақс тушиш санъати. *Бири раққосликда бўлди мумтоз, Бўлиб зийнат яратгай ғамзаю ноз.* Ҳабибий, Девон.

РАҒА Япроқ ва меваларда (асосан токда) сариқ, жигарранг доғ қолдирадиган юқумли замбуруғ касаллиги ва шу касаллик натижасида ҳосил бўлган доғлар. *Рағa тушган олма.*

РАҒБАТ [*а.* رغبت – хоҳиш; яхши ният, истак] **1** Бирор ишга бўлган хоҳиш, истак, майл, раъй. *Менинг бу ишга рағбатим йўқ.* ▬ *Баҳордан буён бир рағбатингиз йўқ, Меҳнат қилдингиз-ку, миннатингиз йўқ.* М. Юсуф, Осмонимга олиб кетаман. *Гулламас яшнаб Ватан, то элда меҳнат бўлмаса, Ҳар иш олға босмагай, меҳнатга рағбат бўлмаса.* Ҳабибий.

2 Қизиқтирувчи, қўзғатувчи омил, сабаб; манфаат келтирувчи (берувчи) нарса. *Мен жўраларимнинг олдида фахр этиб юраман. Аваз оғам ғазалларимни ўқиб, рағбат берди, дейман.* С. Сиёев, Аваз. *..қонунчиликда бу борада кўзда тутилган рағбат ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш зарур.* Газетадан.

3 *псхл.* Инсон ҳис-туйғулари, руҳий ҳолатларини ривожлантирувчи, уни фаолликка ундовчи руҳий (психик) таъсир.

РАҒБАТЛАНМОҚ Манфаатдорлик ошуви ёки тақдирлаш натижасида бирор иш, фаолиятга қизиқмоқ, рағбати ошмоқ. *Муваффақиятдан рағбатланган пахтакорлар ғайратга ғайрат қўшмоқдалар.*

РАҲА [*ф.* راه / ره – йўл, кўча] *кт.* Йўлка, кўча. *Мен йўлимни танлаганман чорраҳада, Сенга ўхшаб қолмай шундай тор раҳада.* Т. Тўла, Асарлар.

РАҲБА [*а.* رحبه – бўш жой, кенглик; майдон; ҳовли] *шв.* **1** Очиқ кенг майдон, дала. *Холбўта бошини кўтарганда, Саидмурод ўқ узди.. Нариги томондаги раҳбада чўзилиб ётишган Комил билан Ҳамид сапчиб туришди ва дарров нима гап-сўзлигини фаҳмлаб, Саидмуродга ташланишди.* «Ёшлик».

2 Масжид ҳовлиси (хонақоҳ ва кўча эшиклари ўртасидаги майдон). *Ундан раҳбага ҳам эшик бўлиб, ташқаридан одамларнинг паст-баланд овозлари эшитилиб турарди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

РАҲБАР [*ф.* راهبر / رهبر – йўлбошчи, йўл бошловчи (кўрсатувчи), бошлиқ] **1** Бирор давлат, ташкилот, гуруҳ, жамоа ва ш.к. га йўл кўрсатиб, бошчилик қилиб борувчи, раҳбарлик қилувчи; йўлбошчи, раҳнамо. *Ҳукумат раҳбарлари. Раҳбар ходим.* ▬ *Мустақиллик шароитида яшаш ҳар бир раҳбар, фуқаро зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди.* Газетадан. *Бугун бошқарув тизимига миллати, элати, уруғидан қатъи назар, эл ишончига сазовор бўлган раҳбарлар кириб келмоғи зарур.* Газетадан.

2 Таълим-тарбия берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи; устоз. *Мусиқа раҳбари. Илмий раҳбар. Яхши раҳбар – чин падар.* Мақол. ▬ *Режиссёр ижодий ташкилотнинг ҳам ғоявий, ҳам бадиий раҳбаридир.* Газетадан.

Синф раҳбари Синф болаларининг ўзлаштиришини ва интизомини кузатиб бориш ва уларга доимий раҳбарлик қилиб туриш учун биркитилган ўқитувчи. *Синф раҳбаримиз ақлли, доно аёл. Мен синф раҳбарим билан бамаслаҳат иш қиламан.*

РАҲБАРИЯТ [*ф.* + *а.* رهبريّت] Раҳбарлик қилувчи гуруҳ, доира. *..мамлакат раҳбариятининг сиёсати халқаро майдонда юксак обрў топгани алоҳида таъкидланди.* Газетадан. *Тоғ ёнбағридаги касалхонага келганда, кеч кириб қолгани учун, раҳбарият уй-уйига тарқалган эди.* Т. Малик, Шайтанат.

РАҲБАРЛИК 1 Раҳбар эканлик, раҳбар мавқеи, мақоми.

2 Бошчилик, бошлиқлик; йўлбошчилик, раҳнамолик; мураббийлик, устозлик. *Ишчилар раҳбарлигида ўқувчилар меҳнат кўникмалари ҳосил қиладилар.* Газетадан.

3 *айн.* **раҳбарият.**

РАҲИМ [*а.* رحيم – меҳрибон, шафқатли] **1** Меҳрибон, шафқатли, раҳмдил (Оллоҳнинг сифатларидан бири). *Худоё худовандо, яккаю ягоналигинг, раҳим ва раҳмонлигинг ҳаққи, мендек бир балокаш, гуноҳкор ожиза бандангдан марҳаматингни дариғ тутмагайсан.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Раҳим (эркаклар исми).

РАҲМ [*а.* رحم – шафқат, марҳамат; ачиниш; меҳрибонлик, меҳр] Аянч ёки мушкул аҳволдаги кимсага, нарсага нисбатан ачиниш туйғуси ва шундай туйғу таъсирида кўрсатилган шафқат, марҳамат. *Сизни оғзи қон бўри дедим, чунки сизда раҳм йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир кун ундан киттай раҳм тилаган аёлларимизни қўндоқ билан саваб бақирди..* Ойбек, Қуёш қораймас.

Раҳм қилмоқ 1) шафқат қилмоқ, марҳамат қилмоқ. *[Ойиша бегим Бобурга:] Самарқанд сизга жангсиз дарвоза очмас, энди ўзингизга раҳм қилинг. Урушга борманг, ўтинаман!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сизда одамият бўлса, бу ғарибИ нотавонга раҳм қилмаганингизда ҳам, анови шўрлик болаларнинг зорига раҳм қилишингиз керак эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) аямоқ, ачинмоқ. *Биров зулм қилса, биров раҳм қилар экан, биров ош берса, биров нон берар экан.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. **Раҳми келмоқ** Ачиниш ҳисси пайдо бўлмоқ, ачинмоқ; аямоқ; ёрдам бергиси келмоқ. *Яланг бошидан қон оқаётган, йиртилган кўйлаги орасидан моматалоқ бадани кўриниб турган, ўзи чўкка тушиб, одамлардан шафқат сўраётган йигирма ёшлардаги йигитга Тоҳирнинг раҳми*

келди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Хотин кишининг кўз ёши ширин бўлади. Ёдгорнинг раҳми келди. Хотинини овутди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Раҳмини келтирмоқ** Кимсада ачиниш, аяш ҳиссини туғдирмоқ, пайдо қилмоқ. *Баширжон одамнинг раҳмини келтирар даражада юпун, одмигина кийиниб, Шамси Тўраевичникига йўл олди.* Н. Аминов, Суварак.

РАҲМАТ [*а.* رحمت – шафқат, марҳамат, меҳрибонлик; ачиниш] **1** *унд. с.* Ташаккур ва миннатдорчиликни ифодаловчи сўз. *Катта раҳмат! Отангга раҳмат!* ▬ *-Раҳмат! – Муқаддам унга меҳр билан тикилиб қолганини пайқаб, дарров кўзларини яширди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Раҳмат айтмоқ Миннатдорчилик билдирмоқ. *Муборак Набижонга раҳмат айтиб хайрлашди-да, ёш боладай ликиллаб, чопқиллаб кетди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *У қайта-қайта раҳмат айтиб, мени машинага кузатиб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ташаккур, миннатдорчилик, шукроналик. *Ким яхшилик уруғини сепса, раҳмат ҳосилини олади.* Газетадан. [*Ойимхон*] *Мадаминнинг хотинларининг ҳовлисини супуриб, сувини ташиб берган, аммо раҳмат ўрнига қарғиш ва жеркиш эшитган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *дин.* Марҳамат, мурувват. *[Ҳидоят ўз-ўзига:] Худоё, раҳматингдан ўргилай, ошхўрга – ош, нонхўрга нон еткизурсан.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

Худо раҳмат қилсин (*ёки* **раҳматига олсин**) Худо ўз марҳаматига сазовор қилсин (вафот этган киши ҳақида). *Худо раҳмат қилсин. Ўзи ҳам хатини олиб, муҳрга қараб қолган экан-да.. бечора. Ҳай, начора, бандалик экан.. – деб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

РАҲМАТЛИ *дин.* Худонинг раҳматига лойиқ, мўмин (вафот этган киши ҳақида). *Онаси раҳматли мунгли, қобил хотин эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Воажаб! Бу қадрдон гўшанинг ҳамиша файзлилиги раҳматли чоли Тожи Давлат билан экан.* «Ёшлик».

РАҲМАТНОМА *қ.* **ташаккурнома**. *Розиқ [бошлиқдан] икки марта раҳматнома олган.* С. Аҳмад, Сайланма.

РАҲМДИЛ [*а.* + *ф.* رحمدل – кўнгли, дили раҳмга тўла; шафқатли] Бировга озор бермайдиган; кўнгли юмшоқ, раҳмли, шафқатли. *Раҳмдил одам.* ▬ *Илгари одамлар анча содда, раҳмдил, мўмин эканини, айниқса, ўзининг тенгдошлари қувлик – шумликлардан узоқ, инсофли, фариштаси бор одамлар эканини дилидан ўтказди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳозир кўзимга Султон амаки ҳар вақтдагидан кўра ғамхўр, раҳмдил кўриниб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Зоҳир шайх, оғасидек руҳоний бўлгани билан, оғаси каби арзимаган нарсага ловуллаб кетадиган тажанг, жаҳлдор эмас, кўнгилчан, раҳмдил киши эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РАҲМДИЛЛИК Бировга озор бермаслик, кўнгли юмшоқлик; шафқатлилик. *..тенгдош дўстларимдан бири.. очерк ёзиш ёшларнинг иши, журналистларнинг иши, деб менга раҳмдиллик қилади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу нигоҳда ҳамдардликкаям, раҳмдилликкаям ўхшаб кетувчи ҳазин бир ифода яллиғланиб турарди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

РАҲМЛИ Бировга раҳм қиладиган; кўнгли юмшоқ, раҳмдил. *Раҳмли одам.*

РАҲМОН [*а.* رحمان – меҳрибон, шафқатли] **1** Раҳм қилувчи, шафқатли (Оллоҳнинг сифатларидан бири). *Тоғажон, беринг суюнчи, Қўллагай яратган раҳмон.* «Юсуф ва Аҳмад». *Худоё худовандо, якка ва ягоналигинг, раҳим ва раҳмонлигинг ҳаққи, мендек бир балокаш, гуноҳкор ожиза бандангдан марҳаматингни дариғ тутмагайсан.* К. Яшин, Ҳамза.

Сабр таги – раҳмон Сабр қилинса, Оллоҳ ажрини, мукофотини беради, раҳм-шафқатини аямайди, деган маънода қўлланадиган ибора. *-Сабр қилинг, болам, сабр таги – раҳмон! Ишлаяпсизми, ишхонангиз борми? – деди Чўтир хола Умидга.* Мирмуҳсин, Умид. *Сабр таги – раҳмон дерлар, айла бардош, Бошинг тошдан, наҳот сабринг бўлмаса тош.* Т. Тўла, Асарлар.

2 Раҳмон (эркаклар исми).

РАҲМСИЗ 1 Раҳм-шафқатни билмайдиган; бераҳм, шафқатсиз. *Раҳмсиз одам. Раҳмсиз суратда ишлатмоқ.* ▬ *Шунинг учун меҳнаткашни раҳмсиз ишлатиб, мадрасалар бино қилмоқда, ариқлар чиқармоқда.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..Оҳ Олимжон, аягинанг ўлсин! Раҳмсиз отанг ўлсин. Нима қилди? Айтгил, ким урди?* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Шафқатсизликни ифодалайдиган, аямасдан, бераҳмларча қилинган.

Хушрўйнинг раҳмсиз муҳокамасидан оққан бу ҳақиқатлар Зайнабни йиғлатди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қайнатанинг қарашлари раҳмсиз ва беаёв эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

РАҲМСИЗЛИК Раҳм-шафқатни билмаслик, бераҳмлик. *Болаларни шаддодликка ўргатмангиз, Раҳмсизлик, бедодликка ўргатмангиз, То улғайиб, дуч келганда инсонларга, Ўхшамасин андишасиз шайтонларга.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

РАҲМ-ШАФҚАТ Кимсага ёки нарсага кўрсатилган меҳрибончилик ва марҳамат. *Раҳм-шафқат бўлмас шоирга, Заъфар дунё босар изидан.* Р. Парфи, Кўзлар. *Эъзозхон Зиёдилланинг кўзларига қарайди, уларда раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Одамларда раҳм-шафқат тугаб кетган.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

РАҲНАМО [*ф.* راهنما / رهنما – йўл кўрсатувчи (бошловчи)] *кт.* Йўл кўрсатувчи, бошчилик қилувчи; раҳбар. *[Навоий:] Халқ ҳақсизликка қарши бош кўтарар экан, унга кимдир раҳнамо бўлиши муқаррар.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *[Устозни] Тўғри йўл кўрсатувчи раҳнамо, деб қабул қилганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, иншооллоҳ.* Газетадан.

РАҲНАМОЛИК Йўлбошчилик, раҳбарлик. *Бу ерда Мовароуннаҳр амирига бўйсунишдан бош тортганларга раҳнамолик қилганларни йиғишган эди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *..халқингизга раҳнамолик қилишингизда омад ёр ва тангри мададкор бўлишини яратгандан сўраб қоламиз.* Газетадан.

РЕ [*лот.* re] Мусиқа гаммасининг иккинчи товуши ва унинг нота белгиси.

РЕ- [*лот.* re..] Байналмилал ўзлашма сўзларда сўзнинг олдидан қўшиладиган ва 1) ҳаракатни янгидан (қайтадан) бошлаш, тиклаш ёки унинг такрорланиши (мас., *реабилитация*), 2) иш-ҳаракатнинг қарама-қаршилиги (мас., *реактор*) каби маъноларни билдирадиган қўшимча.

РЕАБИЛИТАЦИЯ [*лот.* rehabilitatio – қайта тиклаш] **1** *тиб.* Организмнинг издан чиққан функцияларини ҳамда беморлар ва ногиронлар меҳнат қобилиятини тез ва тўлатўкис тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи. *Реабилитация маркази.* ▬ *Унда.. ногиронларни реабилитация қилиш марказининг иш фаолиятини кучайтириш масалалари кўрилди.* Газетадан. *Гулистондаги Сирдарё вилоят реабилитация ва саломатлик марказида республика семинари бўлиб ўтди.* Газетадан. *Энди аёлингизни реабилитация бўлимига ўтказамиз [деди ҳаким].* Газетадан.

2 *ҳуқ.* Жиноят содир этишда асоссиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахснинг пок номи, шаъни ва қадр-қимматининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан тикланиши. *Реабилитация қилмоқ.* ▬ *Тошев масаласига аралашиб қамалган Умаров.. реабилитация бўлиб, оқланиб келибди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

РЕАГЕНТ [*ингл.* reagent] Кимёвий реакцияда иштирок этувчи модда; реактив.

РЕАКТИВ I [*фр.* reactif < ре.. + *лот.* activus – ҳаракатдаги] *ким.* Бошқа моддалар билан бирга маълум кимёвий реакцияда иштирок этувчи ва шу реакция орқали изланаётган модданинг бор-йўқлигини аниқлаб берувчи модда.

РЕАКТИВ II *сфт.* **1** Кимёвий анализда аниқлагич (*қ.* **реактив** I) бўлиб хизмат қиладиган. *Реактив моддалар.*

2 Буғ, газ ва ш.к. оқимининг тепки кучи натижасида ёки шундай куч билан ҳаракат қиладиган. *Реактив артиллерия. Реактив двигатель. Реактив самолёт.* ▬ *Сув ости кемалари ёрдамида қуриш мўлжалланаётган бу иншоот бўйлаб реактив двигателли вагон-снаряд қатнаши кўзда тутилмоқда.* «Фан ва турмуш».

РЕАКТОР [*ингл.* reactor < ре.. + *лот.* actor – ҳаракатга келтирувчи] **1** Ўзгарувчан ток занжирида қисқа туташув содир бўлганда, токни чеклаб қўядиган юқори вольтли электр аппарати.

2 *ким.* Муайян температура ва босим шароитида кимёвий ва биокимёвий реакциялар ҳосил қилиш учун ишлатиладиган аппарат.

3 *физ.* Бошқарилувчи радиоактив реакция – атом ядроларининг парчаланиш реакцияси амалга ошириладиган қурилма. *Ҳозир ядро реакторларида уран ядроларининг парчаланиши туфайли жуда кўп радиоактив моддалар олинади.* «Фан ва турмуш». *Шимолий Корея матбуотининг хабарларига қараганда, уларнинг атом реактори ядро қуроли яратишга эмас, электр энергияси ишлаб чиқаришга хизмат қилади.* Газетадан.

РЕАКЦИОН 1 *сиёс.* Реакция манфаатлари учун курашувчи, эски тартибларни сақлаб қолишга ёки тиклашга уринувчи. *Реакцион ғоя.* ▬ *Реакцион оқим тарафдорлари дастлаб Фарғона водийси, сўнг бутун республикада ислом давлати қуришни хаёл қилдилар.* Газетадан.

2 Кимёвий реакцияга оид, алоқадор.

РЕАКЦИОНЕР [*фр.* reactionnaire – ре.. + *лот.* actio – ҳаракат] Сиёсий реакция тарафдори ёки қатнашчиси; прогрессив, илғор ҳаракатлар ва демократия душмани.

РЕАКЦИЯ I [ре.. + *лот.* actio – ҳаракат] **1** *псхл. тиб.* Ташқи ва ички қўзғатувчиларга жавобан инсон ва унинг тана аъзоларида пайдо бўладиган ҳаракат, жараён ёки ҳолат; акс таъсир.

2 *ким.* Икки ёки бир неча моддалар ўртасида кечадиган ва янги моддалар ҳосил қиладиган ўзаро кимёвий таъсир. *Кимёвий реакция. Реакцияга кирмоқ.* ▬ *Ядровий таркибга кирувчи лимон кислота билан темир оксидлари ўртасида ҳам реакция кечади.* «Фан ва турмуш».

РЕАКЦИЯ II *сиёс.* Эски, умри тугаган ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ижтимоий тараққиётга фаол қаршилик кўрсатиш.

РЕАКЦИЯЧИ *қ.* **реакционер**.

РЕАЛ [*лот.* realis – моддий; ҳақиқий < res – нарса, буюм] **1** Ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган; ҳақиқий, чин, воқеий. *Реал воқелик.* ▬ *Кўргиликдан, таваккалдан, тақдирдан воз кечиб, халқ реал нарсаларга аҳамият берадиган бўлди.* Ойбек, Нур қидириб. ..*Биз ҳозир энг чуқур хаёлот билан реал воқелик орасидаги масофа шиддатли тезликда қисқараётган бир даврда яшаяпмиз.* «Ёшлик».

2 Амалий; амалга ошиши аниқ бўлган, бажарилиши мумкин бўлган. *Реал режа. Реал вазифа.* ▬ *Ҳар қандай дадил фантазиянинг замирида ҳам ҳаётий тажриба, реал фактлар, манзаралар ётади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

Реал даромад *иқт.* Аҳолининг пул даромадларига сотиб олиши мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори. *Самарадорлик, айниқса, кишиларнинг реал даромадлари жадал ошаётгани каби масалаларни таҳлил қилиш долзарб муаммодир.* Газетадан.

РЕАЛИЗАЦИЯ [*лот.* realis – моддий, ҳақиқий] **1** Маълум бир режа, лойиҳа, дастур, мақсадни амалга ошириш, турмушга татбиқ этиш.

2 *иқт.* Мол-мулк ёки қимматбаҳо қоғозларни пулга айлантириш; мол сотиш. *Ой охиригача 28 млн сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинади.* Газетадан.

РЕАЛИЗМ I [*лот.* realis – моддий, ҳақиқий] **1** *ад.* Адабиёт ва санъат (тасвирий санъат, театр, мусиқа ва б.) да воқеликни, ҳаётни ифода воситалари орқали, бадиий образларда бутун тўлалиги билан ўзига ўхшаш шаклларда ҳаққоний акс эттириш усули.

РЕАЛИЗМ II *флс.* Онгдан ташқаридаги мавжуд реаллик гўё идеал объектларнинг мавжудлигидан ёки субъект, билиш жараёни ва тажрибага боғлиқ бўлмаган билиш объектидан иборатдир, деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

РЕАЛИСТ 1 Адабиёт, санъат ёки фалсафадаги реализм издоши, реализмга амал қилувчи. *Реалист ёзувчи ўзи кўрмаган ҳодисаларга ҳам ўзининг кўрганлари, кузатганлари, шахсий-ҳаётий тажрибалари асосида ёндашади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Ўз фаолиятида реал воқелик, атроф муҳит ва иқлим шарт-шароитларини, мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб иш кўрувчи. *Реалист одам.*

РЕАЛИСТИК 1 Реализм тамойилларига асосланган, реализмга хос. *Реалистик асар. Ҳаётни реалистик акс эттирмоқ.* ▬ *Бобур ўзи кузатган табиий ҳодисаларни реалистик асосда акс эттирган.* «Фан ва турмуш».

2 Реал, ҳақиқий, амалий. *Ҳаётга реалистик қараш. Реалистик сиёсат.*

РЕАЛЛАШМОҚ Ҳақиқий, реал тус олмоқ, реал равишда намоён бўлмоқ, аниқланмоқ, амалга ошмоқ. *Сўзнинг маъноси контекстда реаллашади.*

РЕАЛЛИК 1 Ҳақиқийлик, аниқлик, амалийлик, амалга ошириш мумкинлик. *Фикрнинг реаллиги.* ▬ *Элмуродда, бошланган ишнинг реаллигига қатъий ишонч туғилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳақиқатда, объектив мавжуд бўлган воқеа-ҳодиса, воқелик, ҳақиқат. *Булар иккита алоҳида-алоҳида олам, реалликни қабул қилишнинг икки усули бўлиб, ҳаракат йўналишлари бир-бирига мос келмайди, балки қарама-қаршидир.* Газетадан.

РЕАНИМАТОЛОГИЯ [реанимация + *юн.* logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг организмни жонлантириш ва тасодифий ўлимдан сақлаб қолиш, турли касалликлар оқибатида юзага келадиган оғир ҳолларда организмнинг ҳаётий муҳим функцияларини бошқариш ва тиклаш масалаларини ўрганадиган бўлими.

РЕАНИМАЦИЯ [ре.. + *лот.* animatio – жонлантириш, ўзига келтириш] *тиб.* **1** Клиник ўлим ҳолатидаги кишиларни тирилтириш; жонлантириш, шунингдек, ҳаётий муҳим аъзоларнинг турли сабаблар оқибатида тўсатдан йўқолган ёки ўзгарган функцияларини тиклаш учун кўриладиган чора-тадбирлар мажмуи. *Биз реанимация ҳақида бир оз маълумотга эгамиз.* Газетадан.

2 Шундай чора-тадбирларни амалга оширувчи бўлинма, врачлар гуруҳи. *Аҳмадни ўша куниёқ зудлик билан вилоят касалхонасининг реанимация бўлимига олиб келишди.* Газетадан. *Ушбу тиббий ёрдам маркази диагностика, шошилинч терапия, нейрохирургия, жарроҳлик, болалар ва реанимация бўлимларини ўз ичига олади.* Газетадан.

РЕБУС [*лот.* rebus – нарсалар билан, воситасида < res – нарса, буюм] Сурат, ҳарф ва баъзи бир шартли белгилар воситасида ифода этиладиган топишмоқ (ушбу сўз дастлаб ҳажвий сурат маъносида қўлланган).

РЕВАЛЬВАЦИЯ [ре.. + *лот.* valeo – аҳамиятга, қийматга эгаман] *иқт.* Миллий валюта-пул бирлиги курсини бошқа мамлакатлар ёки халқаро валюта-пул бирликлари курсига нисбатан расмий равишда ошириш.

РЕВАНШ [*фр.* revanche – ўч, қасос (олиш); қаримта] **1** Урушда енгилган томоннинг ўч олиши, қаримта қайтариши ёки ўч олиш учун қилган ҳаракати. *Реванш олмоқ.*

2 *спрт.* Спорт ўйинларида: енгилган, ғолибликни қўлдан берган спортчининг ёки команданинг ғолиб устидан ғалаба қозониш ва ғолибликни қайтариб олиш мақсадида қайтадан ўтказадиган ўйини ва унинг ижобий натижаси. *Англиялик Льюис катта боксга қайтадиган бўлса, Виталий сўзсиз у билан реванш жангни ўтказишга рози бўларкан.* Газетадан. *Унда французлар 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, америкалик чарм тўп усталаридан ўзига хос реванш олишди.* Газетадан.

РЕВАНШИЗМ [*фр.* revanche] *сиёс. тар.* Урушда енгилган томоннинг илгари қўлдан кетган ҳудудларни қайтариб олишга, илгариги мавқеини тиклаш мақсадида янги уруш очиш ёки унга тайёргарлик кўришга қаратилган сиёсати.

РЕВАНШИСТ *тар.* Реваншизм тарафдори, реваншизм сиёсатини юргизувчи; қаримта қайтаришга интилувчи. *Реваншистлар сиёсати.*

РЕВИЗИОНИЗМ [*лот.* revisio, revisionis – қайта кўриш, тафтиш] Бирон-бир таълимот, назария, нуқтаи назар принципларини ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш)ни талаб қилувчи ғоявий-сиёсий ёки илмий-назарий йўналиш.

РЕВИЗИОНИСТ Ревизионизм тарафдори, ревизионизмга амал қилувчи.

РЕВИЗИЯ [*лот.* revisio – қайта кўриш] **1** Муайян корхона, ташкилот, муассаса ёки мансабдор шахснинг маълум бир даврдаги иш-фаолиятига доир ҳисоботларни текшириш, тафтиш қилиш; тафтиш. *Ревизия акти. Ревизия қилмоқ.* ▬ *Магазинга тўсатдан ревизия келиб қолибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 *сиёс.* Бирор таълимот ёки назарияни ўзгартириш, унинг асосларини бузиш ниятида қайтадан кўриб чиқиш.

РЕВИЗОР [«ревизия» с. дан] *эск.* **1** Муайян бир муассаса ёки мансабдор шахс фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)га ваколати бўлган шахс. *Ўзидан кўрсин, ревизор билан орани бузма, деб неча марта айтганман.* ▬ *Ревизор халқи топаман деса, ҳар қанақасидан ҳам ишкал топади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Темир йўл соҳаларида назоратчи ходим.

РЕВМАТИЗМ [*юн.* rheumatismos – (тана бўйлаб) тарқалиш, ёйилиш] *тиб.* Юрак-томир системаси, бўғин ва пайларнинг кенг тарқаладиган яллиғланиши натижасида юзага келадиган оғир касаллик; бод. *Ревматизм оғриғи. Ревматизм билан оғримоқ.*

РЕВМАТОЛОГИЯ [ревматизм + *юн.* logos – фан, таълимот] *тиб.* Клиник тиббиётнинг турли ревматик касалликларни ўрганувчи бўлими. *Ревматология маркази.*

РЕВМОКАРДИТ [ревматизм + *юн.* kardia – юрак] Ревматизм оқибатида келиб чиқадиган, юракнинг ички, мускулли ёки ташқи қавати яллиғланишидан иборат касаллик.

Ревмокардит қайталаганда, беморнинг аҳволи оғирлашади, қон айланиши бузилади.. «ЎзМЭ».

РЕВОЛЬВЕР [*ингл.* revolver < *лот.* revolvere — орқага думалатмоқ, айлантирмоқ] Бир неча ўқ жойлашадиган айланувчи ўқдонли, шахсий ўқотар қурол. *Револьвердан ўқ узмоқ.*

Револьвер станок *тех.* Кесувчи асбоблар ўрнатиладиган қисми айланиб, турли кескичлар галма-гал ишга солинадиган токарлик станоги.

РЕВОЛЮЦИОН 1 *қ.* **инқилобий.** *Революцион кураш. Революцион ташкилот.*

2 Туб, жиддий ўзгаришларга олиб келувчи. *Техникада революцион ўзгариш.* ▬ *Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин.* Газетадан.

РЕВОЛЮЦИОНЕР [*фр.* revolutionnaire < *лот.* revolutio — тўнтариш] *қ.* **инқилобчи**.

РЕВОЛЮЦИЯ [*лот.* revolutio — бурилиш, тўнтариш] **1** *қ.* **инқилоб 2.** *Пролетар революцияси. Буржуа-демократик революцияси.*

2 *қ.* **инқилоб 1.** *Маданий революция.* ▬ *Ҳозир космонавтика илмий-техник революциянинг ажралмас қисми бўлиб қолди.* Газетадан.

РЕГАТА [*итал.* regata < riga — қатор, саф] *спрт.* Эшкакли, елканли ёки моторли қайиқларда туркум пойгалардан иборат спорт мусобақалари.

РЕГБИ [*ингл.* rugby < Англиянинг Регби шаҳарчаси номидан] *спрт.* Ҳар бири 15 кишидан иборат икки жамоа тухумсимон тўп билан ўйнайдиган спорт ўйини [бунда спортчилар тўпни қўл ёки оёқ билан узатиб, уни рақиб дарвозасига киритиш ёки дарвоза чизиғи ортига (ичига) туширишга ҳаракат қиладилар].

РЕГЕНЕРАЦИЯ [*лот.* regeneratio — қайта тикланиш, қайта туғилиш, янгиланиш] **1** *биол.* Организмнинг йўқолган ёки жароҳатланган аъзолар ва тўқималарни тиклаб олиши, шунингдек, унинг айрим қисмларидан бутун организмнинг тикланиши.

2 *тех.* Иш бажариб бўлган (эски) маҳсулотга унинг дастлабки сифатларини қайтариш.

3 Ядро техникасида: реакторда ишлатилган ядро ёнилғисини радиокимёвий ва кимёвий-металлургик қайта ишлаш жараёнлари мажмуи.

РЕГИОН [*лот.* regio, regionis — вилоят, ўлка] Бир неча вилоятларни, ҳатто давлатларни ўз ичига олган йирик ҳудудий бирлик. *Олимларнинг фикрича, регионлардаги экологик вазиятни яхшилаш учун туб чоралар кўриш талаб этилади.* Газетадан.

РЕГИОНАЛ Регионга, алоҳида вилоят, ўлка ёки қўшни мамлакатларга оид; маҳаллий. *Регионал кенгаш.* ▬ *Регионал можароларни, аввало, яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.* Газетадан.

РЕГИОНАЛИЗМ [*лот.* regionalis — маҳаллий] *сиёс.* Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва б. муаммоларни у ёки бу регион (минтақа, ҳудуд) нинг манфаат ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва ҳал қилишдаги ёндашув, муносабат. *Зотан, регионализмдан глобализмга, яъни янги минтақавийликдан ялпиликка ўтиш тенденцияси умумжаҳон миқёсда кучайди.* «Фан ва турмуш». *Президентимиз айтганидек, глобализмга фақат регионализм орқали борилади.* Газетадан.

РЕГИСТОН [*ф.* ریگستان — қумлоқ, қумли жой; майда тош тўшалган жой] Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарларидаги марказий майдон (одатда шаҳар арки ёки ҳоким саройи ёнида барпо этилган).

РЕГИСТР I [*нем.* Register < *лот.* registrum — рўйхат] Муайян ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган рўйхат, ҳисобга олиш ҳужжати; қайднома. *Регистрга ёзиб қўймоқ.* ▬ *Тегишли техник воситалар мавжуд бўлганда.. дастлабки ҳужжатларни ва регистрларни тузишга рухсат берилади.* Газетадан.

РЕГИСТР II *мус.* **1** Клавишли мусиқа асбобларида товуш кучи ва тембрини ўзгартиришга имкон берадиган мослама.

2 Хонанда ёки чолғу асбоби диапазонининг бир хил тембрга эга бўлган товушлар гуруҳи.

РЕГИСТР III *тех.* **1** Рақамли ҳисоблаш машинасининг кодларни хотирлашга мўлжалланган элементи.

2 Автомат телефон ва телеграф станциялари ҳамда алоқа узелларида бирон манзилга юбориладиган абонент ахборотларини рақамлар шаклида қабул қилувчи ва ёзиб олувчи қурилма.

3 Компьютер ва ёзув машинкаси клавиатурасининг ўнг ва чап томонида жой-

лашган, катта ва кичик ҳарфлар ёзилиш тартибини бошқарувчи иккита клавиш.

РЕГИСТРАТОР [*нем.* Registrator < *лот.* registrum – қайд этилган, ёзиб қўйилган] **1** Регистрация ишларини олиб борувчи, рўйхатга олувчи киши.

2 Муайян параметрларни автоматик қайд қилувчи ўзиёзар асбоб.

3 Идораларда хат-ҳужжатлар, қоғозлар солиб қўйиладиган картон папка; жилд.

РЕГИСТРАТУРА [*нем.* Registratur < *лот.* registrum – қайд этилган, ёзиб қўйилган] Муассаса, идора, поликлиника ва ш. к. нинг рўйхатдан ўтказиш бўлими.

РЕГИСТРАЦИЯ [*ингл.* registration < *лот.* registrum – қайд этилган, ёзиб қўйилган] Рўйхат қилиш, рўйхатга олиш, қайд этиш; рўйхатдан ўтказиш. *Регистрация дафтари. Регистрациядан ўтмоқ.* ▬ *[Заргаров:] Куёв билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистрация қилинг, бўлак гап йўқ!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

РЕГЛАМЕНТ [*фр.* reglement < *лот.* regula – тартиб, қоида] **1** Йиғилиш, мажлис, кенгаш ва ш.к. ни олиб бориш, ўтказиш тартиби. *Мажлис регламенти. Регламент белгиламоқ.* ▬ *Мажлисларни олиб бориш унгагина топширилар, у регламент ва бошқа тартиб-қоидаларга риоя қилишнинг ҳадисини олган..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Регламент бўйича шахматчилар.. 12 партиядан дона сурадилар.* Газетадан.

2 Бирор давлат органи, муассаса, ташкилот ва ш.к. нинг фаолият тартибини белгиловчи низом ва қоидалар мажмуи. *Ялпи мажлис муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг муваққат регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги масала киритилди.* Газетадан. *Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти лойҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди.* Газетадан.

3 Халқаро конгресслар ва конференциялар томонидан қабул қилинган баъзи ҳужжатларнинг номи (мас., 1815 йил Вена регламенти).

РЕГЛАН [*ингл.* Reglan < инглиз генерали Реглан номидан] **1** Енги елкаси билан бир бутунликда бичилган пальто ёки кўйлак андозаси (дастлаб 19-аср ўрталарида Реглан модага киритган) ва шундай андоза (бичим)даги устки кийим.

РЕГРЕСС [*лот.* regressus – орқага кетиш; акс ҳаракат(ланиш)] **1** Ривожланишнинг юқорироқ шаклдан қуйи шаклга ўтиши; орқага қайтиш, таназзул; ёмон томонга ўзгариш; *зид.* **прогресс**.

2 *биол.* Тирик табиатда яшаш шароитларининг ўзгаришига мослашиш оқибатида организмларнинг соддалашувидан иборат эволюцион жараён.

РЕГРЕССИВ 1 Ўз тараққиётида орқага кетган, таназзулга, инқирозга юз тутган; таназзулга, инқирозга олиб келувчи. *Регрессив ҳаракат.* ▬ *Кўриниб турибдики, инсон фикрлаш тарзида бири иккинчисига зид бўлган қутблар, прогрессив ва регрессив томонлар мавжуд бўлади.* Газетадан.

2 Реакцион, антидемократик. *Регрессив ҳодиса.*

РЕГУЛЯТОР [*лот.* regulare – тартибга келтирмоқ, йўлга қўймоқ] Автоматик бошқарув тизимида механизмнинг бир текис ишлашини таъминлаб турадиган ҳамда температура, босим, тезлик ва ш. к. ни бирдай сақлайдиган ёки ўзгартирадиган асбоб, мослама.

РЕДАКТОР [*фр.* redacteur < *лот.* redactus – тартибга келтирилган] *қ.* **муҳаррир 1-2.** *Техник редактор. Бош редактор. Масъул редактор. Газета редактори.* ▬ *Ходимлар Аҳмаднинг гапини тинглаб ўтирар эканлар, ора-чора редакторга қараб қўярдилар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

РЕДАКТОРЛИК Муҳаррир иши, вазифаси; муҳаррирлик. *Редакторлик қилмоқ.*

РЕДАКЦИОН 1 Нашриёт таҳририятига мансуб. *Редакцион кенгаш.*

2 Таҳрир жараёнига оид; таҳририй. *Мақолага киритилган редакцион ўзгариш. Редакцион тузатиш.*

РЕДАКЦИЯ [*фр.* redaction < *лот.* redactus – тартибга келтирилган] *эск.* **1** Таҳрир жараёни, таҳрир; қўлёзмани муҳаррир тузатишлари билан нашрга тайёрлаш. *Редакция қилмоқ.*

2 Муайян ишловдан ўтган, тузатилган матн. *Романнинг янги редакцияси.*

3 Нашриёт органларида нашр ишини олиб борувчи, қўлёзма матнларни ишлаб, нашрга тайёрлаб берувчи ходимлар жамоаси. *Журнал редакцияси. Редакция мажлиси.* ▬ *Усмон Яхшиев таҳрир қилган материалларнинг таржимаси тўғри ва аниқлиги-*

га редакцияларнинг ходимлари заррача шубҳа қилмас эдилар. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Кўп сонли газетхонлар редакциямизга мурожаат қилиб, ёш олимга берилган илмий даража етарли эмас, деб ҳисобламоқдалар.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

4 Таҳририят ходимлари ишлайдиган бино. *Аҳмад редакциядан чиқиб, муюлишга борганида, орқасидан Раҳим ака етиб келди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

РЕДИСКА [*р.* < *лот.* radix – илдиз, илдизмева] Эрта кўкламда очиқ ёки ёпиқ ерларга экиладиган полиз экини ва унинг ейишли думалоқ ёки чўзинчоқ оқ, қизил рангли ҳосили. *Салатнинг янги узилган барги редиска, бодринг ва ошкўклар билан яхши ҳамоҳанг бўлади.* Газетадан.

РЕДКОЛЛЕГИЯ [*р.* редакционная коллегия – «таҳрир ҳайъати» бирикмасининг қисқартмаси] Китоб, журнал, газета ва ш.к. ни биргаликда таҳрир қилувчи жамоа; таҳрир ҳайъати. *У деворий газетанинг редколлегия аъзоси эди, прогулчиликка қарши чиқарилаётган шошилинч сон учун уч-тўрт банд ҳажв ёзиб беришни топширишди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Алманах материалларини махсус редколлегия ишлаб беради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

РЕДУКТОР [*лот.* reductor – орқага қайтарувчи] *тех.* **1** Айланма ҳаракатни тишли ғилдираклар ёрдами билан бир валдан иккинчи валга узатувчи механизм.

2 Трубопровод, газ баллони ва ш.к. идишдаги суюқлик ёки газнинг босимини камайтириш ёки бир хилда сақлаб туриш учун мўлжалланган асбоб, мослама.

РЕДУКЦИЯ [*лот.* reductio – қайтиш, орқага қайтариш] **1** *махс.* Мураккабдан соддага ўтиш, соддалашиш.

2 *биол.* Муайян аъзоларнинг ўз функциясини йўқотганлиги туфайли кичрайиши ёки йўқолиши.

3 *ким.* Тикланиш, қайтарилиш; оксидланишнинг акси.

4 *тлш.* Кучсиз талаффуз натижасида товушнинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатдан пасайиши (бу ҳодиса асосан урғусиз бўғиндаги унлиларга хос бўлади). *Редукция натижасида ҳамда тез суръатда гапириш жараёнида товуш тушиб қолади.* «ЎТА».

РЕДУПЛИКАЦИЯ [*лот.* reduplicatio – иккиланиш, қўшалоқланиш] *тлш.* Сўздаги дастлабки бўғинни ёки ўзакни, бутун сўзни такрор қўллаш билан такрорий сўз, грамматик шакл ҳосил қилиш усули.

РЕЕСТР [*лот.* regestrum, registrum – рўйхат, саноқ] Маълум ишлар, ҳужжатлар, мол-мулк ва б. рўйхати ҳамда шу рўйхатлар қайд қилинадиган дафтар. *Амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан 22 та идоравий-меъёрий ҳужжат давлат реестридан чиқарилди.* Газетадан. *Айни пайтда ғўзанинг йигирмата селекция нави давлат реестрига киритилган.* Газетадан.

РЕЖА [*ф.* ریجه < رجه – кир ёйиладиган ип, арқон; саф, қатор] **1** Деворзанлик ва шунга алоқадор касбларда: девор ва ш.к. нинг текис, тўғри чиқиши учун усталар таранг қилиб тортиб қўядиган ип, сим ва ш. к. *Режа олмоқ. Режа солмоқ.* ▬ *-Бектурди ака, – дерди у [Қозоқбой] ғишт тераётган устага қараб, – ғиштни яхши тераётган бўлсангиз ҳам, режа ипини тортиб олмаганингиз ёмон.* М. Қўшоқов, Уста йигит.

2 Бирор ишни тартиби билан ва ўз вақтида бажариш учун олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал. *Эртанги ишга бугун режа туз.* Мақол. ▬ *Бўрон режаларимизни бузолмайди, тақдиримиз ҳам бўроннинг қўлида эмас.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Адолат қизларга ўз режасини тушунтирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *[Бригада аъзоларининг] Ҳар йили пахта тайёрлаш шартномавий режасини мамлакат бўйича биринчи бўлиб.. уддалашларига ўрганиб қолдик.* Газетадан.

3 Белгили тартиб, қоида, ўлчов. *Иш режага тушди.* ▬ *Бу оилада ейиш-ичиш белгили тартиб ҳам режага тобе эса-да, ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Албатта, кампир келинларини рўзғордан сиқмасди. Аммо режани бузмай, масаллиқни исроф қилмай иш тутарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

РЕЖАЛАМОҚ 1 Олдиндан режа тузмоқ; режалаштирмоқ. *У [Солижон] вақтини фаслдек, Бўлиб қўйган режалаб.* Қ. Муҳаммадий.

2 Режа солиб ўлчамоқ, режа солмоқ, режа солиб иш қилмоқ. *Мактаб ер участкасини режалаш. Режалаб чигит экмоқ.*

3 Тартибга, режага солмоқ, тизимга туширмоқ.

РЕЖАЛАШТИРИШ Миллий иқтисодиётнинг турли даражаларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш шакллари мажмуи.

РЕЖАЛАШТИРМОҚ Маълум режага солмоқ; мўлжалламоқ. *Исломхўжа.. йўлларни тузатиш, темир кўприклар қурдириш ишларини режалаштирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

РЕЖАЛИ 1 Маълум бир режа асосида қурилган; тартибли. *Режали иш. Режали иш бузилмас.* Мақол. ▬ *..ҳар бирининг [ўт ўчирувчининг] ҳаракати чаққон ва режали.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Тежаб сарф қиладиган, режа билан иш тутадиган. *Режали аёл.* ▬ *Моҳира пазанда, чаққон, саранжомли, режали келин эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

РЕЖАСИЗ 1 Режа билан қилинмаган, тартибсиз. *Режасиз иш. Қолипсиз ғишт чиқмас, режасиз иш битмас.* Мақол.

2 Тежаб-тергашни билмайдиган, тежамсиз. *Режасиз одам.*

РЕЖАСИЗЛИК Тежаб-тергаб қилинмаган иш; тежамсизлик. *Ишни режасизлик билан бажармоқ.*

РЕЖАЧИ Режа тузувчи киши. *-Ражаббекникидаги мажлисда, — деди заҳарханда билан [Отабек], — бу йиртқичликнинг режачиси ким эди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РЕЖАЧЎП [*ф.* ریجه‌چوب] *айн.* **газчўп 1**.

РЕЖИМ [*фр.* regime — давлат тузуми, бошқариш тарзи < *лот.* rego — бошқараман, раҳбарлик қиламан] **1** Давлатни бошқариш, идора этиш усули; тузум. *Демократик режим. Тоталитар режим.*

2 Меҳнат, дам олиш, овқатланиш, ухлаш ва умуман ҳаётнинг аниқ белгиланган тартиби. *Овқатланиш режими. Режим билан ухлаш.* ▬ *Фурсат қадрини ҳаётий режаси ва кундалик вақт режими бўлган одам билади.* Р. Усмонов, Одобнома. *У тинмай машқ қилиш, алоҳида белгиланган режимга амал қилиш туфайли спорт формасини яна тиклашга муваффақ бўлди.* Газетадан.

3 Иш фаолияти ёки ҳаёт шароити. *Ўсимликларнинг иссиқлик режими. Машинанинг иш режими.* ▬ *Иқтисод ва тежамкорлик режимига риоя қилишнинг муҳим омилларидан бири давлат ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий бўйсунишдир.* Газетадан.

РЕЖИССЁР [*фр.* regisseur — бошқарувчи < *лот.* rego — бошқараман] Саҳна ёки кино асарини саҳналаштирувчи бадиий раҳбар; асарни тайёрлаш, саҳнага қўйиш билан боғлиқ бўлган ижодий ишларнинг ташкилотчиси, бошлиғи. *Постановкачи режиссёр. Кино режиссёри.* ▬ *Тошкент кўриги бизни ўнлаб ёш тажрибали режиссёрлар, операторлар ва сценаристлар билан ошно қилади.* Газетадан. *Томошанинг ёмон чиқишига кўпинча режиссёр айбдор бўлади.* «Фан ва турмуш».

РЕЖИССЁРЛИК Саҳна ёки кино асарларини саҳналаштириш билан шуғулланиш; режиссёр касби, вазифаси. *Режиссёрлик қилмоқ. Режиссёрлик санъати.* ▬ *Бу киши артистларга театрда режиссёрлик қиладилар.* Шукрулло, Сайланма.

РЕЖИССУРА [«режиссёр» с. дан] **1** Режиссёрлик иши, фаолияти. *Кинодраматургнинг ишини режиссура, монтаж янада такомиллаштириши ҳам мумкин.* Б. Имомов, Сценарий ва фильм.

2 Фильм, спектакль ва ш.к. нинг бирор режиссёр томонидан тайёрланган постановкаси. *У [Хуршид] театр санъати билан, режиссура билан [Ўзбекистонга] гастролга келган озарбайжон театри, театр ҳаваскорларининг труппалари орқали таниш эди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

РЕЗ [*ф.* ریز — майда; кичкина] **1** Мусиқа асбобларидан бир ритмда чиқадиган узуқ-узуқ қисқа садолар. *Ноғораларнинг.. рези, сурнайнинг бир маромдаги мунгли ноласи ҳозир қандайдир қалтис ўйин бўлишидан дарак беради.* М. Қодиров, Асака дорбозлари.

2 Шу турдаги куй номи. *Бу вақтда Регистонда турган сарбозларнинг музика тўдаси миллий асбобларни "рез" ҳавосида чала бошладилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

РЕЗА [*ф.* ریزه — ушоқ, парча; ёғоч қириндиси] **1** *сфт.* Унча катта бўлмаган; майда, кичик. *Ёноқларини реза тер қоплаган қизлар жимгина қўшиққа қулоқ солар.. эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Норматовнинг қисташи билан Алитириш дуторини олиб, реза куйларга тушди.* Ғайратий, Менинг ёшлигим. *[Алижонни] Ичкари уйга бошлаб кирди-да, олдига қази билан тузланган бодринг келтириб қўйди: -Мана буларни реза қилиб туринг, — деди Ҳалима.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 *от* Майда нарса (сув ёки тер томчилари ҳақида). *Кучли кулгидан Раънонинг кўзи ёшланиб, ўсиқ киприги жуфтланди, кулги ва ўчоқ ҳарорати билан икки юзи қизил олмага айланиб, латиф бурни устида марварид резалар ҳосил бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мавжларидан резалар учиб, чайқалади муққадас дарё.* Газетадан.

РЕЗАВОР [*ф.* ریزه‌وار] **1** Майда-чуйда. *Резавор моллар.*

2 Овқатга солиш учун ишлатиладиган кўкат ва сабзавот. *Уйларнинг ҳовлиларида мевали дарахтлар, гулзор, чорпоя, резавор экинлар учун ҳам алоҳида майдонлар мавжуд.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Боғчачилик экинлари ва уларнинг мевалари. *Резавор боғ. Резавор экинлар. Резавор мевалар.* ▬ *Резавор мевалардан смородина.. ўстириш айни муддао бўлади.* Газетадан.

4 *айн.* **зиравор.** *Сабзавот, мева ҳамда резаворларнинг ўзбекча тансиқ таомлар тайёрлашда аҳамияти каттадир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

РЕЗАВОРФУРУШ [резавор + *ф.* فروش – сотувчи] Резавор моллар ёки ошкўклар билан савдо қилувчи киши; резаворчи. *Ҳеч ўйламаганда, Ҳусни баққол билан Жалил резаворфуруш ўртасида жанжал чиқиб қолди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

РЕЗАВОРЧИ 1 *айн.* **резаворфуруш.**

2 Кўкат ва сабзавот экинлари етиштирувчи ва сотувчи киши.

3 Зираворлар савдоси билан шуғулланувчи киши.

РЕЗАВОРЧИЛИК Резавор экинлар экиш ва резавор сотиш ишлари билан шуғулланиш. *Резаворчилик қилмоқ. Резаворчиликни ўрганмоқ.*

РЕЗАЛАМОҚ Майда тўғрамоқ, майдаламоқ, майда-майда қилмоқ. *Пиёзни резаламоқ. Резаланган сабзи.* ▬ *Қиз.. бурни устида резаланиб турган ёмғир томчисини артиб, қаддини ростлади.* У. Назаров, Одамлар.

РЕЗАПАРВАР [*ф.* ریزه‌پرور – майда экинларни парваришловчи] Резавор экинларни яхши парвариш қиладиган; миришкор. *Резапарвар одам.*

РЕЗГИ [*ф.* ریزگی – майдаланганлик; майда-чуйда нарсалар] **1** Қийқинди чарм; қийқим-қийқим чармлар. *Пошнабоп резгилар.* ▬ *Ҳар хил синиқ-миниқ қолиплар, чарм резгиси, ширач коса, маҳси ичига ёпиштирадиган эски латталар ва ҳоказо дўконхона юзини тутган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тери резгилари ҳар хил кийим-кечак безакларида ишлатилади.* Газетадан.

Резги одам *ҳазил* Ўсмай қолган ёки кичкина одам. *Боқса, резги қаримсиқ одам Имо қилар унга дамо-дам.* М. Али, Боқий дунё.

РЕЗЕКЦИЯ [*лот.* resectio – кесиб ташлаш] *тиб.* Касаллик оқибатида зарарланган ёки шикастланган аъзо, суяк ва ш.к. нинг бирор қисмини жарроҳлик йўли билан кесиб ташлаш.

РЕЗЕРВ [*фр.* reserve < *лот.* reservare – сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ; тежамоқ] **1** Янги, ҳали ишга солинмаган куч, маблағ ва ш.к. манбаи. *Ишлаб чиқариш резервлари. Пахта етиштиришни кўпайтирувчи резервлар.* ▬ *Қодирали икки нарсадан беҳад хурсанд бўлди. Биринчидан, бўш қолган жойларни тўлдириш учун катта резерв топилди..* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бу маблағларнинг барчаси ўз ички резервларимиздан ажратилмоқда.* Газетадан.

2 *қ.* **заҳира 1**. *Озиқ-овқат резервлари.* ▬ *Ҳар бир хўжаликда анчагина резервлар ва кучимкониятлар юзага чиқарилди.* Газетадан.

3 *қ.* **заҳира 2**. *Резервдаги офицер.* ▬ *Сафарбарлик чақируви чоғида резервдаги хизматга чақирилганлар ойлик йиғинда иштирок этиб, техник воситалардан ва қурол-яроғдан фойдаланиш сирларини мукаммал ўргандилар.* Газетадан.

4 Қўшиннинг зарур пайтда жангга киритиш учун қўмондонлик ихтиёрида қолдирилган қисми. *Туркистон ҳарбий округи бутун уруш давомида ҳарбий резервлар ўчоғи бўлди.* Газетадан.

РЕЗЕРВИСТ Бир қатор мамлакатлар армияларида: резервга ўтказилган, резервда, захирада турган ҳарбий хизматчи.

РЕЗЕРВУАР [*фр.* reservoire < *лот.* reservare – сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ] Суюқлик ёки газ сақланадиган катта идиш. *Резервуарнинг сиғими катталиги сабабли ёнғинни тўхтатишнинг иложи бўлмади.* Газетадан.

РЕЗЕРВЧИ *қ.* **резервист.** *Шу билан бирга, мазкур комиссияга мамлакатимизда Қуролли кучлар заҳираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини топшириш керак.* Газетадан.

РЕЗИДЕНТ [*лот.* residens, residentis – ўтирувчи, жойида қолувчи] **1** Элчидан пастроқ мавқега эга бўлган дипломатик вакил.

2 Бирон давлатнинг бошқа бир хорижий давлатда доимий яшовчи фуқароси.

3 Бирон давлат разведкасининг бошқа бирор давлат ҳудудида иш олиб борувчи вакили.

4 Хорижий банк, компания, фирма ва ш.к. нинг бошқа мамлакатда доимий ишловчи, у ёки бу ишни амалга оширувчи вакили (ўзи ишлаётган мамлакат қонунчилигига тўла риоя қилади). *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар – резидентларга нақд чет эл валютасини ..ташқарига олиб чиқишга рухсат бериш тартиби белгиланган.* Газетадан. *Тендерда фақат Ўзбекистон резидентлари қатнашиши мумкин.* Газетадан.

РЕЗИДЕНЦИЯ [*лот.* residens, residentis – бирор жойда бўлувчи, турувчи] Давлат бошлиғи ёки ҳукуматнинг, шунингдек, катта мансаб эгаларининг доимий қароргоҳи, тураржойи, саройи. *Президент резиденцияси.*

РЕЗИНА [*лот.* resina – қатрон (смола) < *юн.* retine – ёғоч қатрони] Каучукни вулканлаш йўли билан олинадиган эластик маҳсулот ва ундан тайёрланган нарса, буюм. *Дағал резина. Резина этик.* ▬ *Эмин қаради: автоматчи немислар дарёнинг кун чиқиш қирғоғидан резина қайиқда шу томонга тўппа-тўғри босиб келаяпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қўшнисиникидан ўн беш метрли резина шланг опчиқиб берди.* С. Аҳмад, Сайланма..

РЕЗИНКА [«резина» с. дан] **1** Ёзилган ёки чизилган нарсани ўчириш учун ишлатиладиган махсус резина бўлаги. *Сиёҳ ўчирадиган резинка.*

2 Тортганда чўзиладиган резинали шнур, ип ва ш.к. *Кампир, резинкаси оёғини қисиб юборган шекилли, капрон пайпоғини ҳимариб, тўпиғига тушириб олибди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 *с.т.* Резина. *Унинг оёғида таги резинка қора туфли.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Резинка қилмоқ (*ёки* қилиб чўзмоқ) 1) бирор ишни вақтида бажармай чўзиб юрмоқ, пайсалга солмоқ. *-Бу монтажчилари тушмагур газ плитаси ўрнатишни роса резинка қилиб чўзишса бўладими, – деди Афзал ака.* А. Шайхов, Ушовидан тушови қиммат; 2) гапни чўзмоқ. *Мунча резинка қилиб чўзмасанг!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

РЕЗОЛЮЦИЯ [*лот.* resolutio – қарор] **1** Йиғилиш, мажлис, конференция ва ш.к. да бирор масала муҳокамасидан кейин қабул қилинган қарор. *Мажлис резолюцияси.* ▬ *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши яқинда махсус резолюция қабул қилди.* Газетадан.

2 Раҳбар ходимнинг расмий ҳужжатдаги фармойиши, якуний хулосаси. *Аризага резолюция қўймоқ.*

РЕЗОНАНС [*фр.* resonance < *лот.* resonans – акс-садо берувчи] **1** *физ.* Ташқи таъсирлар остида жисмнинг мажбурий тебранишлари амплитудасининг кескин ошиб кетиши. *Резонанс ҳодисаси.*

2 Бинонинг товушни кучайтириш қобилияти. *Залнинг резонанси яхши.*

3 *кўчма* Жамоатчиликнинг фикри, бирор нарса, воқеа-ҳодисага муносабати, жавоб ҳаракати, билдирган фикри. *Унинг нутқи катта ижтимоий резонанс уйғотди.*

РЕЗОНАТОР [*лот.* resonare – акс-садо бермоқ] *тех.* Резонанс ҳодисаси туфайли содир бўладиган тебранма тизим (жисм).

РЕЗЬБА [*р.* резать – «кесмоқ» с. дан] *тех.* Болт, гайка ва ш.к. нинг ички ёки ташқи сиртига ўйилган ариқча ва бўртма. *Метрик резьба. Болт резьбаси.*

РЕЗЬБАЛИ Резьбаси бор, резьба солинган. *Ўн резьбали болт.*

РЕЗЮМЕ [фр. resume < resumer – қисқача баён қилмоқ] Ёзилган, айтилган ёки ўқилган матн мазмунининг қисқача баёни. *Авторефератнинг резюмеси.*

РЕИМПОРТ [ре.. + импорт] *иқт.* Чет элга чиқарилган, аммо у ерда сотилмаган ёки яроқсиз деб топилган, қайта ишлов берилмаган товарларнинг уни чиқарган мамлакатга қайтариб олиб кирилиши.

РЕИНВЕСТИЦИЯ [ре.. + инвестиция] Инвестициялар муомалалари бўйича даромадлар шаклида олинган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қайта йўналтириш, қайта фойдаланиш.

РЕЙД I [*ингл.* raid – ёпирилиб келиш, босиб келиш < *нем.* bereit – тайёр, шай] **1** Давлат ёки жамоат ташкилотлари, матбуот органлари топшириғига мувофиқ муайян объектларни, корхона ва ш.к. фаолиятини тўсатдан текшириш. *Солиқчилар билан со-*

ликқа оид жиноятчиларга қарши курашиш департаментининг ходимлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик рейд ва текширишлар самарасини таъминламоқда. Газетадан. *«Ишонч» телефонига тушаётган тезкор маълумотлар асосида ўтказилаётган рейдлар давомида бир қанча қонунбузарлик ҳолатлари барҳам топмоқда.* Газетадан.

2 *ҳарб.* Душманнинг базаларига, штаб ва б. объектларига қарши жанговар иш олиб бориш мақсадида ҳаракатдаги ҳарбий ёки партизан отрядларининг душманнинг орқа томонига ўтиши.

РЕЙД II [*голл.* reede – кемалар тўхтайдиган жой] Денгиз портига кираверишда, соҳил яқинида кемаларнинг лангар ташлаб туриши ва юк тушириш учун қулай жой.

РЕЙКА [*р.* рейка – ясси чорқирра юпқа тахта] **1** Юпқа, энсиз узун тахта. *Рейкалардан қилинган девор. Полга рейка қирқиш.*

2 *махс.* Даражаларга бўлинган ва ер, сув ҳамда қор қатламининг паст-баландлигини (чуқурлигини) аниқлашда қўлланадиган чорқирра ёғоч.

РЕЙС [*нем.* Reise – саёҳат] Кема, самолёт, машина каби транспорт воситаларининг маълум маршрут бўйича (бир томонга) қатнов йўли. *Қурилиш ва техника материаллари ташиб турган автомашиналар ҳар сменада ўн беш-ўн олти рейс қилади.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

РЕЙТИНГ [*ингл.* rating – баҳо, даража] **1** Ўқувчилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули ва тизими. *Қолаверса, ҳар бир фандан тўпланган балларга асосланиб, ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини таққослаш ва рейтинг натижаларига қараб, уларни фарқлаш имконияти яратилади.* Газетадан. *Маорифимиздаги ислоҳотлар ҳақида сўз кетар экан, мактабларимизда тобора кенг қўлланаётган ўқувчилар билимини аниқлашда рейтинг тизимидан фойдаланиш усули хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор.* Газетадан. *Олий таълим тизимида бакалаврлик ва магистрлик босқичларидаги таълим тобора такомиллашмоқда, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг усули кенг жорий этилмоқда.* Газетадан.

2 *спрт.* Спортнинг баъзи турларида (мас., шахматда) эришилган ютуқларнинг самарадорлиги ва нуфузини баҳолашда рақамлар билан ифодаланадиган шахсий кўрсаткич. *Спортчиларнинг рейтинг кўрсаткичи. Боксчиларнинг рейтинг жанглари.* ▬ *Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) миллий терма жамоалар учун август ойи рейтинг жадвалини эълон қилди.* Газетадан.

3 Сиёсат, маданият ва б. соҳалардаги таниқли арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли билан аниқланадиган машҳурлик даражаси. *Баъзи туман газеталарининг рейтинги бугун, очиғини айтсак, кўнгилдагидек эмас.* «Саодат». *Машғулот олиб борадиган ўқитувчиларнинг илмий даражаси, рейтинги, иш стажига қараб, қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди.* Газетадан.

РЕЙХСТАГ [*нем.* Reichstag < Reich – давлат, салтанат + Tag – мажлис, кенгаш] *тар.* Германия парламенти (1871 йилдан 1945 йилгача) ва унинг биноси. *Зафар туғин тутиб маҳкам, Рейхстаг узра тиккан ҳам, Ва чеккан ҳам унга имзо Бу қўллардир, бу қўллардир.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

РЕКВИЗИТ [*лот.* requisitum – керакли, зарур] Театр томошаларида ёки кинофильм суратга олинаётганда фойдаланиладиган табиий ёки ясама буюмлар мажмуи.

РЕКВИЗИТЛАР *ҳуқ.* Муайян ҳужжатнинг юридик жиҳатдан кучга эга эканлигини кўрсатувчи, қонун-қоидалар билан белгиланган зарурий маълумотлар. *Банк реквизитлари фақат ҳисоб-пул муомалалари масалалари бўйича хатларда, масалан, кафолат хатларида қўйилади.* «Иш юритиш». *Қимматли қоғозларда ифодаланган мажбурий реквизитлар муомалага чиқарилаётган ҳар бир қимматли қоғозда кўрсатилади.* «Ҳаёт ва қонун».

РЕКВИЗИЦИЯ [*фр.* requsition – мол-мулкдан маҳрум қилиш < *лот.* requisitio – талаб; тўлатиш] Хусусий кишиларнинг ёки жамоат ташкилотларининг мулкини ҳақ тўлаб мажбурий равишда доимий ёки вақтинча давлат ихтиёрига олиш. *Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди.* Газетадан. *Реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтагандан кейин реквизиция қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкини ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.* Газетадан.

РЕКЛАМА [*фр.* reclame < *лот.* reclamare – қаттиқ қичқирмоқ] **1** *иқт.* Муайян товар

ёки кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида харидорларни хабардор қилиш, уларга нисбатан талаб, эҳтиёжни юзага келтириш ёки кучайтириш мақсадида ана шу товар ва хизматлар тўғрисида берилган маълумот. *Савдо рекламаси.* ▬ *Маркетинг концепциясида маҳсулотни сотиш тадбирлари мажмуасида марказий ўринни реклама эгаллайди.* «Иқтисодий назария». «*Оила ва жамият» бошқа газеталарга ўхшаб реклама қилинмаса ҳам, харидоргир, савдоси чаққон.* Газетадан. *Реклама ўз номи билан маҳсулотни овоза қилиш демакдир.* Газетадан.

2 Бирон шахс, ташкилот, нарсани оммалаштириш мақсадида улар ҳақида маълумотлар тарқатиш. *Сиёсий реклама. Газетанинг реклама ва эълонлар бўлими.* ▬ *Трибуналарда шу гап, телевизор экранлари, рекламаларда шу мавзу.* Э. Охунова, Икки океан оша. *Сиз биз билан ҳамкорликда реклама унумдорлигига эришишингизга шубҳа йўқ.* Газетадан.

3 Шу мақсадда чиқарилган эълон, плакат. *Реклама осмоқ.*

РЕКЛАМАЦИЯ [*лот.* reclamatio – бақириб норозилик билдириш] Етказиб берилган ёки сотилган мол, буюм, маҳсулотнинг, кўрсатилган хизматнинг сифатсизлиги натижасида кўрилган зарарни тўлаш, улардаги нуқсонларни бартараф этиш ёки уларнинг баҳосини пасайтиришни талаб қилувчи даъво хати.

РЕКЛАМАЧИ 1 Реклама ясовчи, реклама тузувчи киши.

2 Ўзини, ўз ишини мақтовчи, кўз-кўз қилувчи киши.

РЕКОГНОСЦИРОВКА [*лот.* recognoscere – билмоқ; эсга туширмоқ; кўриб чиқмоқ] **1** *ҳарб.* Жанговар ҳаракатлар бошланиши олдидан душман ҳақида тўлиқ, батафсил маълумотлар олиш мақсадида командирлар, офицерлар томонидан ўтказиладиган разведка.

2 *геод.* Муайян жойда геодезик ишлар бошлашдан олдин шу жойни текшириб чиқиш; эскирган топографик хариталарни жойнинг ҳозирги ҳолати билан мувофиқлаштириш.

РЕКОМЕНДАЦИЯ [*лот.* (re)commendatio – маъқуллаш] **1** Бирор ташкилотга ёки янги жойга ишга киришда бериладиган ёзма ёки оғзаки тавсия.

2 *қ.* **тавсиянома.** *Рекомендация бермоқ.*

РЕКОНСТРУКЦИЯ [ре.. + *лот.* constructio – тузиш, бириктириш; тузилиш, қурилиш] **1** Такомиллаштириш, яхшилаш мақсадида қайта қуриш, янгидан қуриш, бутунлай янгича ташкил қилиш, қайтадан ускуналаш. *Реконструкция даври.* ▬ *Тармоқнинг янги корхоналарини қуриш, ишлаб турган корхоналарини реконструкция қилиш, замонавийлаштириш керак.* Газетадан. *Вокзал ва станцияларимиз янгидан қурилди ва реконструкция қилинди.* «Фан ва турмуш».

2 Қадимги иншоот, санъат асари ва ш.к. ни уларнинг ҳозиргача сақланиб келган айрим бўлакларига, ёзма манбалардаги тавсиф ёки тасвирларига асосланиб қайта тиклаш.

РЕКОНСТРУКЦИЯЛАМОҚ Реконструкция қилмоқ. *Ҳайкални реконструкцияламоқ.*

РЕКОРД [*ингл.* record – мисли кўрилмаган муваффақият < *фр.* record – эслаш, хотирага келтириш] Иш, фаолиятнинг бирор соҳасида, спорт мусобақаларида эришилган энг катта муваффақият, энг яхши натижа, энг юқори кўрсаткич. *Жаҳон рекорди. Янги спорт рекорди қўймоқ.* ▬ *Жонжаҳдим билан ишлаб, рекорд устига рекорд қўймаганимда, бу ҳурматлар қаёқда эди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Улар ҳосил йиғим-теримини максимал даражада механизациялаш ва тайёрлаш суръатларини тезлаштиришда рекорд кўрсаткичга эришмоқдалар.* Газетадан. *Рауфни рекорд билан яна бир бор табриклашди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

РЕКОРДЕР [*ингл.* record – ёзмоқ] **1** Товуш ёзиш аппаратларида товушни граммофон пластинкаларига механик усулда ёзиб олиш учун мўлжалланган қурилма.

2 Кема ва қирғоқ гидролокация станцияларида акс-садо тарзида қайтган сигналларни ёзиб олиш учун фойдаланиладиган қурилма.

РЕКОРДСМЕН [*ингл.* recordsmen – рекордчи, рекордга эришган киши] *қ.* **рекордчи.**

РЕКОРДЧИ Спортнинг муайян турида ёки бирор иш, фаолият соҳасида рекорд кўрсаткичга эришган киши. *Жаҳон рекордчиси. Рекордчи пиллачилар.* ▬ *-Рекордчиларга бир эмас, икки ҳисса мошхўрда бера-*

ман! — Абдухалил унинг косасига бир бўлак гўшт ташлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Баландликка лангарда сакраш бўйича жаҳон рекордчиси Е. Исинбаева Лондондаги турнирда қатнашди.* Газетадан.

РЕКТОР [*лот.* rector — бошқарувчи; раҳбар] Университетлар ва б. айрим олий ўқув юртларининг раҳбари. *Ректор ташқи иқтисодий масалаларни ўз зиммасига олиши зарур.* Газетадан. *Шартномаларга ректорлар жавобгар бўлиши керак.* Газетадан.

РЕКТОРАТ 1 Олий ўқув юртларининг ректор ва проректорлар раҳбарлик қиладиган маъмурий-ўқув органи. *Институт ректорати, профессор-ўқитувчилар жамоасининг вазифаси фақат меъмор ва қурувчи муҳандисларни тайёрлашдан иборат бўлиб қолмай, бугунги кунда вужудга келиши лозим бўлган меъморчилик-қурилиш мажмуаларининг шарт-шароит ва омилларини ўрганишни ҳам талаб қилишини англаб етганмиз.* Газетадан.

РЕЛЕ [*фр.* relais < relayer — алмаштирмоқ] *тех.* Ташқи таъсир натижасида электр занжирида кескин ўзгаришлар рўй берганда, электр токини автоматик тарзда улайдиган ёки узадиган қурилма, асбоб.

РЕЛЬЕФ I [*фр.* relief < *лот.* relevo — (бир оз) кўтараман] *геогр.* Ер сиртидаги табиий ёки сунъий равишда ҳосил бўлган ҳар хил нотекисликлар — паст-баландлик, тоғликнишабликлар мажмуи. *Тоғли рельеф. Ўзбекистон рельефининг тузилиши хилма-хил.* ▬ *Тошкент заминининг устки қиёфаси, яъни рельефи худди шу босқичда шаклланди.* «Фан ва турмуш».

РЕЛЬЕФ II Ҳайкалтарошликнинг бир тури: муайян сатҳга нисбатан бўртма ёки ўйма тасвир; бўртма нақш.

РЕЛЬС [*ингл.* rails — тўсин < *лот.* regula — тўғри таёқ] Темир йўл транспорти, трамвай, кўтарма кран, вагонетка ғилдираклари юрадиган пўлат из. *Трамвай рельслари.* ▬ *У болалари билан поезд келишини рельс устида кутиб ўтирди.* Газетадан.

РЕЛЬСЛИ Рельси бўлган, рельс ўрнатилган; рельсларда юрадиган. *Рельсли йўл. Рельсли транспорт.*

РЕЛЬССИЗ Рельси бўлмаган, рельси йўқ. *Рельссиз транспорт.*

РЕЛЯТИВИЗМ [*лот.* relativus — нисбий] *флс.* Билимнинг нисбийлиги, шартлилигини эътироф этувчи, объектив ҳақиқатни билиш мумкин эмас, деб ҳисобловчи фалсафий қараш.

РЕЛЯТИВИСТ Релятивизм тарафдори.

РЕМАРКА I [*фр.* remarque — белги, изоҳ] **1** *ад.* Драматик асарда қаҳрамонлар ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, хатти-ҳаракати, саҳна манзараси ва б. ҳақида муаллиф томонидан бериладиган изоҳлар. *Актёрлар образ яратишда автор ремаркаларини, режиссёр айтган ва кўрсатганларини амалга ошириш билан кифояланардилар.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 *снт.* Гравюранинг очиқ ҳошиясига ишланган, кўпинча асар сюжети билан боғлиқ бўлмаган кичик ҳажмдаги тасвир.

РЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ [ре.. + милитаризация] *сиёс.* Аввал қуролсизлантирилган (демилитаризация қилинган) давлат қуролли кучлари ва ҳарбий имкониятларини қайта тиклаш; қайта қуроллантириш. *Ремилитаризация қилмоқ.*

РЕМОНТ [*фр.* remonte — тузатиш, созлаш < remonter — тузатмоқ, қайта бутунламоқ, йиғмоқ] *эск.* Бузилган, ишдан чиққан, синган ва ш.к. нарсаларни тузатиш, тиклаш, таъмирлаш. *Ремонт қилмоқ.* ▬ *Ўқувчилар кучи билан мактаб дарвозаси биқинига пойабзал ремонт қиладиган устахона, бир сартарошхона қурамиз.* С. Аҳмад, Сайланма. *Стадион ремонт қилина бошлаган, панжаралар қизил-сариқ рангга бўялган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

РЕМОНТХОНА [ремонт + хона] *эск.* Таъмир ишлари олиб бориладиган ишхона, таъмир устахонаси; таъмирлаш хонаси.

РЕМОНТЧИ Таъмир қилувчи уста, ишчи; таъмирловчи. *Хўжаликда ташкил этилган 8 та махсус бригадага ва ремонтчиларга етарли маданий ва маиший шароитлар яратилган.* Газетадан.

РЕНЕГАТ [*лот.* renegare — тонмоқ, бўйнига олмаслик] *сиёс.* Ўз маслагидан қайтиб, душман томонига ўтиб кетган одам; муртад, хоин. *Барча мамлакатларда ҳам ренегатлар бўлади.*

РЕНЕССАНС [*фр.* Renaissance — Уйғониш; қайтадан юзага келиш, тикланиш] Инсониятнинг маънавий ва ғоявий тараққиётидаги уйғониш, кўтарилиш даври (Европанинг бир қатор мамлакатларида бу давр 14—16-асрларга тўғри келади). *Бу давр тарихида меъморчилик, адабиёт, тасвирий*

санъат, илоҳий ва дунёвий илмлар ривожланиб, темурийлар сулоласини буюк ренессанс – уйғониш даври яратувчилари, десак хато қилмаймиз. Газетадан. *Инсоният тўғрисидаги қарашлар Ренессанс даврида янада юксакликка кўтарила бошлади.* «Фан ва турмуш».

РЕНИЙ [*лот.* Rhenium – Германиянинг Рейн (Rhenus) вилояти номидан] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оч кулранг, жуда қийин эрийдиган ва ўта оғир металл. *Уран билан йўл-йўлакай рений, скандий ва бошқалар ҳам қазиб олинмоқда.* Газетадан. *Саноатдаренийдан авиация ва космик техника учун ўтга чидамли қотишмалар, электрон ускуналар, нефтни парчалаш учун катализаторлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.* Газетадан.

РЕНТА [*нем.* Rente, *фр.* rente < *лот.* reddita – қайтариб берилган (нарса)] *иқт.* **1** Мулк эгаларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмасдан ер ёки мол-мулкдан фоиз шаклида мунтазам оладиган даромади. *Дифференциал рента. Абсолют рента. Ер рентаси.* ▬ *Бозор иқтисодиёти тизимида ерни ишлатишдаги кенг тарқалган усул уни ижарага бериб, рента олишдир.* Газетадан.

2 Айрим мамлакатларда давлат заёмлари облигациялари бўйича фоиз ёки ютуқ шаклида тўланадиган даромад.

РЕНТАБЕЛ [*нем.* rentabel – фойдали, даромадли] Хўжалик жиҳатдан мақсадга мувофиқ, харажатларни қоплайдиган ва фойда келтирадиган. *Қишлоқ хўжалигининг рентабел тармоқлари. Рентабел корхона.* ▬ *Давлатдан дотация олмаслик ва рентабел ишлаш учун кўпроқ пул топиш лозим.* Газетадан.

РЕНТАБЕЛЛИК [*нем.* rentabel – фойдали, даромадли] Корхона ва тадбиркорликнинг даромаддорлиги, самарадорлиги; микроиқтисодий миқёсдаги иқтисодий фаолиятнинг самарадорлик кўрсаткичи. *Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бу соҳанинг рентабеллигини ошириш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ эди.* Газетадан. *Реконструкция ишларига эътибор кўнгилдагидай эмас, шунинг учун бир қанча йирик корхоналарда рентабеллик даражаси паст.* Газетадан.

РЕНТАБЕЛСИЗ Иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, харажатни қопламайдиган, фойда келтирмайдиган. *Рентабелсиз корхона.*

РЕНТГЕН [< немис физиги Рентген (Röntgen) номидан] **1** *физ. тиб.* Рентген нурлари билан ёритиб кўриш, рентген аппаратида текшириш.

2 *с.т.* Рентген аппарати. *Рентгенга солиб текшириш.*

3 *физ.* Рентген нурлари ва гамма-нурларнинг доза бирлиги; нурланиш дозаси.

Рентген аппарати Рентген нурларини ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш учун мўлжалланган қурилма. *Кабинетга янги рентген аппарати зарур эди, Р. Муродов ана шу аппаратни олиб беришни сўраб, яна бош врачга мурожаат қилди.* «Муштум». *Илмий марказда айни кунларда телеускунали ҳаракатланувчи рентген аппарати ва бошқа ноёб асбоб-ускуналар ишлаб турибди.* Газетадан. **Рентген нурлари** Тиниқмас материаллардан ўтиш хусусиятига эга бўлган, қисқа электромагнит тўлқиндан иборат кўзга кўринмас нурлар.

РЕНТГЕНОГРАММА [рентген + *юн.* gramma – ёзув] Текширилаётган объектнинг рентген нурлари ёрдами билан махсус фотоплёнкага туширилган тасвири. *Тил оғизда эркин ётган аъзо бўлиб, рентгенограммада унча катта бўлмаган ясси ёй шаклида кўринади.* «ЎТА».

РЕНТГЕНОГРАФИК Рентгенографияга оид; рентгенография усулига асосланган, шу усулда бажарилган. *Рентгенографик анализ.*

РЕНТГЕНОГРАФИЯ [рентген + *юн.* grapho – ёзаман] Рентген нурлари ёрдамида тиниқмас нарсаларнинг ички тузилишини расмга, суратга олишдан иборат рентгенологик тадқиқот усули.

РЕНТГЕНОДИАГНОСТИКА [рентген + диагностика] Рентгенологик текширишлар натижасида олинган маълумотларга қараб, касалликни аниқлаш, ташхис (диагноз) қўйиш.

РЕНТГЕНОЛОГ Рентгенология ва рентгенотерапия бўйича врач, мутахассис. *Рентгенолог врач.* ▬ *Рентгенолог врачнинг рангиқути ўчди: беморнинг томоғида билинар-билинмас доғ бор эди..* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

РЕНТГЕНОЛОГИЯ [рентген + *юн.* logos – билим, тушунча] Рентген нурлари ва улардан фойдаланиш усулларини ўрганадиган фан; радиологиянинг бир бўлими.

РЕНТГЕНОСКОПИК Рентгеноскопияга оид. *Рентгеноскопик текшириш.*

РЕНТГЕНОСКОПИЯ [рентген + *юн.* skopeo – қарайман] Тиниқмас нарсаларнинг ички тузилишини текшириш, буюмларнинг ички нуқсонини аниқлаш, касалликларни топиш мақсадларида рентген нурлари ёрдамида уларнинг тасвирини махсус экранга тушириб текшириш; рентгенодиагностиканинг асосий усулларидан бири.

РЕНТГЕНОТЕРАПИЯ [рентген + терапия] Шишли (ўсмали) ва б. турдаги касалликларни рентген нурлари билан даволаш. *Рентгенотерапиядан фойдаланиш.*

РЕОЛОГИЯ [*юн.* rheos – оқиш, оқим + logos – фан, таълимот] Физиканинг ёпишқоқ, пластик ва қайишқоқ моддаларнинг (муҳитларнинг) оқувчанлиги ва деформацияланишини ўрганиш билан шуғулланадиган бўлими.

РЕОСТАТ [*юн.* rheos – оқиш, оқим + statos – тик турувчи, қўзғалмас] *физ.* Электр занжиридаги ток кучини ёки кучланишни равон ёки поғонама-поғона ўзгартирувчи (тартибга солувчи) аппарат. *Лампали реостат. Реостат токи.*

РЕПАРАЦИЯ [*лот.* reparatio – қайта тиклаш] **1** *сиёс.* Урушда кўрилган зарарларни тўла ёки қисман қоплаш учун енгилган ва айбдор мамлакат томонидан ғолиб мамлакатга тўланадиган товон. *Репарация тўловлари. Репарация тўламоқ.*

2 *биол.* Барча организмлар ҳужайраларининг ташқи кимёвий ва физикавий омиллар таъсирида ҳаётий зарур (ДНК) молекулалардаги зарар-шикастларни қайта тиклай олиш хоссаси.

РЕПАТРИАЦИЯ [*лот.* repatriatio – ватанга қайтариш, қайтиш] *сиёс.* Уруш оқибатида ўз ватанидан четда қолган ҳарбий асирлар ва фуқароларни, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи қайта тикланган муҳожирларни халқаро битим ва келишувлар асосида ватанига қайтариш. *Репатриация қилмоқ.* ▬ *Бунинг устига улар Швейцария ҳукуматининг репатриация ҳақидаги талабини рад этса, бунинг учун белгиланадиган қамоқ жазоси муддати бир ярим йилгача узайтирилиши қайд этилди.* Газетадан.

РЕПЕРТУАР [*фр.* repertoire < *лот.* repertorium – рўйхат, маълумотнома] Турли театр, концертларда ёки айрим хонанда томонидан муайян давр мобайнида ижро этиладиган асарлар мажмуи. *Театр репертуари. Халқ ансамбли репертуари.* ▬ *Кўплаб театрларнинг репертуари тубдан янгиланди.* Газетадан. *Хонанда репертуарида С. Жалилнинг «Зебуннисо» операсидаги Зебуннисо ва бошқа кўплаб бош ролларни кўрамиз.* Газетадан. *Ҳар йили янги репертуар яратиб, якkaхон концертларимни тақдим этиб келяпман.* Газетадан.

РЕПЕТИТОР [*лот.* repetitor – орқага қайтаришни талаб қилувчи; такрорловчи] **1** Таълимда ўқувчининг маълум бир фан ёки курсни яхши ўзлаштириши учун пулли қўшимча машғулотлар ўтказувчи шахс (ўқитувчи).

2 Олий ўқув юртига кирадиган ўқувчига мактаб дастурини ўзлаштиришига ёрдам берувчи шахс; уй ўқитувчиси. *Ҳатто тайёргарлигим мукаммал бўлиши учун репетиторга ҳам қатнадим.* Газетадан. *Ҳозирги кунда ота-оналар фарзандларини ўқишга киритиш учун албатта репетитор ёллайдилар.* Газетадан.

РЕПЕТИТОРЛИК Репетитор фаолияти, репетитор бўлиб ишлаш; абитуриент ва ўқувчиларга маълум ҳақ эвазига дарс ўтиш. *Репетиторлик қилмоқ.* ▬ *Аксарият билим даргоҳларидаги пулли репетиторлик курслари йил давомида фаолият кўрсатаяпти.* Газетадан. *Умуман олганда, расмий таълим тизимисиз репетиторлик мавжуд бўлиши мумкин эмас.* Газетадан.

РЕПЕТИЦИЯ [*лот.* repetitio – такрорлаш, қайтариш] **1** Театр, эстрада, цирк томошалари, концерт дастурлари, айрим чиқишлар, саҳналарни режиссёр раҳбарлигида кўп марта такрорлаш орқали тайёрлашнинг асосий шакли. *Бадиий ҳаваскорларнинг сўнгги репетицияси бормоқда.* А. Алиев, Диққат, репетиция боряпти. *Нима бўлганда ҳам, бугунги учрашув жамоамизга келгусидаги мураккаб баҳслар олдидан навбатдаги репетиция вазифасини ўташига ишониб қоламиз.* Газетадан.

2 *мус.* Айни бир товушнинг клавишли ва б. мусиқа асбобларида тез такрорланиши.

РЕПЛИКА [*фр.* replique < *лот.* replico – қаршилик, норозилик билдираман] **1** *ҳуқ.* Суд жараёнида бирор томоннинг қаршилик, норозилик билдириши.

2 *снт.* Саҳна диалогида партнёрнинг жавоб нутқи, бирор персонажнинг охирги, яъни бошқа персонаж нутқи бошланишидан олдинги сўзи.

3 Съезд, мажлис ва ш.к. ларда ўтирган жойидан туриб айтилган фикр, мулоҳаза; луқма ташлаш.

4 Мусиқа фразасининг бошқа овоз билан ёки бошқача тон билан такрорланиши.

РЕПОРТАЖ [*фр.* reportage < *ингл.* report – хабар бермоқ, хабардор қилмоқ] Воқеа содир бўлган жойнинг ўзидан матбуот, радио, телевидение орқали зудлик билан хабар етказиш; шундай хабарнинг ўзи. *Газета илғор теримчилар ҳақида репортажлар босиб бормоқда. Футбол матчи ҳақида репортаж. Янгилик репортажнинг асоси ҳисобланади.* ▬ *Воқеа содир бўлган жойдан репортаж.* Газетадан. *Репортажда образли иборалар баъзан муқаддима ва хулосада учрайди.* Газетадан.

РЕПОРТЁР [*ингл.* reporter] *қ.* **мухбир.** *Газета репортёри.*

РЕПОРТЁРЛИК *қ.* **мухбирлик.** *Репортёрлик вазифаси. Репортёрлик қилмоқ.*

РЕПРЕССИВ Репрессия, жазо ва қатағонлардан иборат бўлган, шунга асосланган. *Репрессив чоралар.*

РЕПРЕССИЯ [*лот.* repressio – куч билан бостириш, тўхтатиш] Давлат органлари томонидан номақбул, номатлуб деб топилган аҳоли қатламига нисбатан қўлланадиган жазо чораси, қатағон қилиш. *Репрессия чоралари. Репрессия қилмоқ.* ▬ *..Бундай ёзувчиларнинг оқланганлиги уларнинг 30-йилларда репрессия қилинганлиги нотўғри бўлганлигини кўрсатади, холос.* «ЎТА». *Шўро ҳукумати шундай репрессия қиладики, бундан ҳеч қайсингиз ўзингизни четга олиб, қутулиб қололмайсиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Асоссиз тарзда репрессияга дучор бўлган кишиларнинг орномуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз.* Газетадан.

РЕПРИВАТИЗАЦИЯ [ре.. + приватизация] *иқт.* Илгари давлат ихтиёрига олинган ер-мулк, корхона, банк, акция кабиларни қайтадан хусусийлаштириш. *Реприватизация қилмоқ.*

РЕПРОДУКТИВ [ре.. + *лот.* productio – ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш]: **репродуктив аъзолар** *биол.* Ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўпайиш функциясини бажарадиган аъзолар. **Репродуктив саломатлик** Инсон саломатлигини қайтадан тиклаш; қайтадан тиклан(ади)ган соғлиқ. *Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш, репродуктив саломатликни сақлаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди.* Газетадан. *Республика болалар ва туғруққа ёрдам бериш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш борасида муайян натижаларга эришилди.* Газетадан.

РЕПРОДУКТОР [ре.. + *лот.* producere – ҳосил қилмоқ, яратмоқ] **1** Радиоэшиттиришни кучайтирувчи аппарат; радиокарнай. *Маҳкам.. икки дераза оралиғига осилган кичкина репродукторни буради.* П. Қодиров, Уч илдиз. *У* [*Шербек*] *кўчага чиққанида, узоқдан репродукторнинг товуши эшитилар эди. "Клубда пластинка қўйишяпти", деди ўзигаўзи.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Информацияларни кўчириб ёзишда қўлланадиган аппарат.

РЕПРОДУКЦИЯ I [ре.. + *лот.* productio – ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш] **1** Расм, сурат, чизма ва ш.к. лардан полиграфия ёки фотография усули билан нусха олиб кўпайтириш. *Репродукция қилмоқ.* ▬ *Муҳарририят деворий расмлар репродукцияларини тайёрлаганликлари учун меъморларга ўз миннатдорчилигини билдиради.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай нусханинг ўзи. *Репродукциялар альбоми.*

3 *псхл.* Хотирада сақланган нарсаларни қайта тиклаш, жонлантириш.

4 *биол.* Организмларнинг ўзига ўхшаш организмларни яратиши, ҳосил қилиши.

РЕПС [*ингл., фр.* reps] Пишиқ қалин жун, ип ёки ипак газлама (уст кийим ва пойабзал тикиш учун ишлатилади).

РЕСПИРАТОР [*лот.* respiro – нафас оламан] **1** *сфт. тиб.* Нафас олишга, нафас аъзоларига оид. *Респиратор касалликлар.* ▬ *«Оқтош» санаториясида респиратор ва астматик касалликларга чалинган кекса кишилар учун бино ва бошқа объектлар қурилиши бошланди.* Газетадан. *Мамлакатимизда респиратор ва бошқа вирусли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.* Газетадан.

2 Инсон нафас олиш аъзоларини заҳарли газ ва чангдан сақлайдиган индивидуал ҳимоя мосламаси. *Респиратор тақмоқ.*

РЕСПОНДЕНТ [*ингл.* respond – жавоб бермоқ] Ижтимоий сўровда қатнашувчи шахс; анкета саволларига жавоб берувчи киши.

РЕСПУБЛИКА [*лот.* res publica – умумхалқ, жамоатчилик иши < res – иш + publica – ижтимоий, умумхалқ] Олий давлат ҳокимияти маълум муддатга сайланадиган ҳокимият органи (президент ёки парламент)га тегишли бўлган бошқарув шакли; шундай бошқарув шаклига эга бўлган давлат. *Биз республикамиз пойтахтининг гўзаллиги билан фахрланамиз ва унинг шуҳратига шуҳрат қўшишга ҳамиша интиламиз.* Газетадан. *Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида шаҳарлар қиёфаси ўзгарди ва ободонлашди.* Газетадан.

Парламентар республика Парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, ҳукумат унинг олдида сиёсий жавобгар ҳисобланадиган, парламент томонидан сайланган президент эса фақат давлат бошлиғи, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи саналадиган давлат бошқаруви шакли. **Президентлик республикаси** Президент умумхалқ сайловида сайланадиган ва бир вақтнинг ўзида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланадиган давлат бошқаруви шакли (Ўзбекистонда президентлик республикаси бошқарув шакли амал қилади).

РЕСПУБЛИКАЧИ **1** Республика тарафдори, республика тузумини ёқловчи.

2 Айрим мамлакатларда, мас., АҚШда: республикачилар партиясининг аъзоси.

РЕССОР(А) [*фр.* ressort – пружина; таранглик, қайишқоқлик] Транспорт воситаларида уларнинг ғилдираклари ўқини кузов билан бирлаштирувчи ва йўлнинг нотекислигидан пайдо бўладиган зарбалар кучини пасайтирувчи қайишқоқ, эгилувчан қисм. *Автомобиль рессораси. Рессора болти.*

РЕСТАВРАТОР [*лот.* restaurare – янгиламоқ, қайта тикламоқ] **1** Эскирган ёки бузилган бадиий асарларни, архитектура ёдгорликларини тикловчи, асл ҳолига келтирувчи мутахассис. *[Муҳиддин] Бу соҳада ҳақиқий ижодкор олим ва моҳир реставратор эканини кўрсатди.* «Шарқ юлдузи».

2 *сиёс.* Реставрация тарафдори, инқилоб йўли билан ағдариб ташланган тузумни тиклаш учун курашувчи.

РЕСТАВРАЦИЯ [*лот.* restauratio – тиклаш, қайта яратиш] **1** Даврлар ўтиши билан эскирган ва маълум қайта ишлашлар натижасида асл ҳолини йўқотган, бузилган санъат асари ёки архитектура ёдгорликларини, археологик қазилмалар ва қадимий скелетларни дастлабки ҳолатига келтириш, тиклаш ҳамда тикланган асарлар, нарсаларнинг ўзи. *Реставрация қилмоқ. Ўзбекистондаги тарих музейи реставрация қилинди.* ▬ *Энг қувонарлиси, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси тўлиқ реставрация қилинди.* Газетадан. *Бошқа томондан, деярли икки юз йиллик тарихга эга бўлган жиҳозлар реставрация қилиниши ва мутахассислар назорати остида бўлиши зарур эди.* Газетадан.

2 *сиёс.* Инқилоб йўли билан ағдариб ташланган эски тузум ёки салтанатни тиклаш.

РЕСТОРАН [*фр.* restaurant – (едириб-ичириб) тетик қилувчи, қувват берувчи < restaurer – қайта тикламоқ] **1** Мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатадиган, мусиқа эшитиб, рақс тушиш, қимматли егулик ва ичимликларга буюртма бериш мумкин бўлган умумий овқатланиш корхонаси. *Кечқурун меҳмонлар билан танишиш учун ресторанга тушганида, биронта ҳам таниш учратмади.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

2 Ана шундай корхона жойлашган бино.

РЕСТОРАНЧИ Ресторан хўжайини ёки ходими.

РЕСУРС [*фр.* ressource – ёрдамчи восита, усул; пул маблағи] Инсон турмуш шароитини янада яхшилаш учун зарур бўлган нарсаларнинг мавжуд захираси. *Ички ресурслар. Хомашё ресурслари. Ўзбекистоннинг табиий ресурслари.* ▬ *Молиявий ресурслардан қанчалик тежамкорлик билан фойдаланилаётганлиги ҳам ҳисобга олинаётир.* Газетадан. *Вилоят [Самарқанд] хомашё ресурсларига эга минтақалардан ҳисобланади.* Газетадан. *Аҳоли маблағидан унумли фойдаланиш ҳисобига ресурс базасини мустаҳкамлашга етарли эътибор бериляпти.* Газетадан.

РЕТОРТА [*лот.* retorta – орқага бурилган] *махс.* Қийин эрувчи шиша, чинни ёки

металлдан нок шаклида ясалган, узун найчаси бир томонга букилган лаборатория идиши.

РЕТРАНСЛЯЦИЯ [ре.. + трансляция] Марказий радиостанция эшиттиришларининг маҳаллий станциялар томонидан олиб эшиттирилиши ва шундай эшиттиришларнинг ўзи. *Узоқ масофалардан алоқа боғлашнинг халқаро системаларини вужудга келтирмоқ учун Ернинг сунъий йўлдошларидан ретрансляция станциялари сифатида фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

РЕТУШЛАМОҚ Турли хил расм ва тасвирларни ретушь йўли билан тузатмоқ, тўғриламоқ.

РЕТУШЧИ Ретушь қилувчи, ретушловчи киши.

РЕТУШЬ [*фр.* retouche – ўзгартириш, тўғрилаш] Расм, фотосурат, негатив ва ш.к. тасвирларнинг кам-кўстини қалам, бўёқ ва ш. к. билан тўғрилаш, тузатиш. *Ретушь қилмоқ.*

РЕФЕРАТ [*лот.* referre – билдирмоқ, хабар қилмоқ] **1** Муайян мавзуга бағишланган, тегишли бадиий, илмий ва б. манбалар шарҳини қамраб олувчи маъруза. *Реферат тайёрламоқ.*

2 Бирор илмий асар, китоб, мақола мазмунининг қисқача ёзма баёни.

РЕФЕРЕНДУМ [*лот.* referendum – хабар берилиши, маълум қилиниши зарур бўлган нарса] Давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар бўйича ўтказиладиган ва баъзан қонунлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган умумхалқ сўрови, овоз бериш йўли билан халқ фикрини аниқлаш. *Умумхалқ (умуммиллий) референдуми.* ▬ *Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.* Газетадан. *Овоз бериш референдум белгиланган куни.. амалга оширилади.* «Ҳаёт ва қонун». *Референдум ўтказиш тўғрисидаги масалани биз сессиянинг энг муҳим масалаларидан бири, деб ҳисоблаймиз.* Газетадан.

РЕФЕРЕНТ [*лот.* referens, referentis – хабар берувчи, маълумот берувчи] **1** Реферат тайёрловчи, уни ўқиб берувчи; маълумот, хабар берувчи шахс. *Бу эса икки мутахассислик: испан тили бўйича филологлар ва таржимон-референт бўладиган талабалар учун бугунги Испания ҳаётини ўрганишга катта омил бўляпти.* Газетадан.

2 Раҳбар ходим топшириқларини бажарувчи, унга маълум масалалар бўйича маслаҳат берувчи, тегишли маълумотлар асосида маърузалар тайёрловчи лавозимли шахс. *Эътиборлиси, референтларнинг аксарияти энг чекка ҳудудларимиздан келган.* Газетадан.

РЕФЕРИ [*ингл.* referee < *лот.* refero – хабар қиламан] Спорт мусобақалари (мас., футбол, кураш, бокс, теннис кабилар)ни ўтказувчи ҳакам, судьянинг халқаро номларидан бири.

РЕФЛЕКС [*лот.* reflexus – қайтариш, акс эттириш] Организмнинг у ёки бу ташқи таъсирга олий нерв системаси орқали рўёбга чиқадиган акс таъсири, жавоб реакцияси. *Рефлекс марказлари.* ▬ *Чайнашнинг аҳамияти шуки, ошқозон шираси рефлекс орқали чиқа бошлайди.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

РЕФЛЕКСИЯ [*лот.* reflexio – ортга қайтиш, акс этиш] *флс.* Кишининг ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида бир шакли.

РЕФЛЕКТИВ Рефлекс натижасида рўй берадиган, беихтиёр. *Рефлектив ҳаракат.*

РЕФЛЕКТОР [*лот.* reflectere – акс эттирмоқ, орқага бурмоқ] **1** Ёруғлик, товуш, иссиқлик тўлқинлари, электромагнит энергия оқимлари йўналиши ва жадаллигини ўзгартириш учун мўлжалланган қайтаргич қурилма.

2 Кўзгули (асосий ботиқ кўзгу ва қўшимча қавариқ ва ясси кўзгулар) объектив билан жиҳозланган телескоп.

3 Электр лампа ва қайтарувчи-акслантирувчидан иборат иситиш асбоби.

РЕФЛЕКТОРЛИ Рефлекторга эга бўлган, рефлектор ўрнатилган. *Рефлекторли лампа.*

РЕФОРМА [*фр.* reforme < *лот.* reformare – қайта қурмоқ, тубдан ўзгартирмоқ] *қ.* **ислоҳ, ислоҳот.**

РЕФОРМАТОР [*лот.* reformator – тубдан ўзгартирувчи] *эск.* Ислоҳ (реформа) ўтказувчи, қайтадан қурувчи, тубдан ўзгартирувчи; ислоҳотчи.

РЕФОРМАЦИЯ [*лот.* reformatio – ўзгартириш, ислоҳ қилиш] *тар.* 16-асрда Ғарбий ва Марказий Европада катта ер эгалари ва уларнинг асосий таянчи – католик черко-

вига қарши курашган ижтимоий-сиёсий, диний-идеологик ҳаракат. *Реформация даври.*

РЕФОРМИЗМ [*лот.* reformare – тубдан ўзгартирмоқ, ислоҳ қилмоқ] *тар.* 19-аср охирларида капитализм доирасида ислоҳ (реформа)лар ўтказиш ёрдамида социализмга ўтиш учун асос яратишга интилган сиёсий оқим. *Реформизм таъсирида мухолифат нисбатан тинчроқ жабҳа – ғоялар курашига кўчса-да, лекин шиддатини сусайтирмайди.* Газетадан.

РЕФОРМИСТ Реформизм тарафдори.

РЕФРАКТОР [*лот.* refractus – синган; эгилган] *астр.* Осмон ёритқичларидан келаётган нурларнинг бир ёки бир неча линзали объективда синиши натижасида уларнинг тасвири ҳосил бўладиган телескоп.

РЕФРАКЦИЯ [*лот.* refractio – синиш] **1** *физ.* Ёруғлик нурларининг бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтишида синиши, шунингдек, товуш нурлари йўналишининг бир жинсли бўлмаган муҳитда синиши, эгриланиши.

2 *астр.* Ер атмосферасидан ўтиб келадиган нурларнинг синиши натижасида осмон ёритқичларининг ўз ўрнидан силжиганга ўхшаб кўриниши.

РЕФРИЖЕРАТОР [*фр.* refrigerateur < *лот.* refrigerare – совитмоқ, музлатмоқ] **1** Музлаткичларнинг суюқликни буғлатиб, паст температура ҳосил қиладиган қисми, буғлаткичи.

2 Гўшт, сут ва ш.к. тез бузиладиган маҳсулотларни паст температурада ташиш учун махсус музлаткич билан жиҳозланган кема, вагон ёки автомобиль.

РЕЦЕНЗЕНТ [«рецензия» с. дан] *қ.* **тақризчи**. *Рецензент унинг асарига рецензия ёзиб берди.*

РЕЦЕНЗИЯ [*лот.* recensio – текшириш, кўриб чиқиш] *қ.* **тақриз.** *Ижобий рецензия. Рецензия ёзмоқ.* ▬ *Уларнинг китоблари тўғрисида нари борса кафтдеккина рецензия битиш билан чекланиб қўя қоласизлар.* Газетадан. *-Рецензия дегани ана шунақа тиштирноқли, тишлаб оладиган бўлса, – деди муҳаррир.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

РЕЦЕПТ [*лот.* receptum – олинган, қабул қилинган нарса] *тиб.* **1** Врачнинг дори таркиби, дозаси ва ундан қандай фойдаланиш ҳақида беморга (одатда дорихона учун) берадиган ёзма кўрсатмаси. *Рецепт билан дори олмоқ. Рецепт ёзиб бермоқ.* ▬ *Одамлардан рецептларни қабул қилиб, дафтарга қайд этиш, тайёр дориларни эгаларига бериш, дориларни қандай тайёрлаш – бари кишидан қунт талаб қилади.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 Бирор нарсани тайёрлаш ҳақида қоида ва маълумотлар мажмуи (мас., тайёрлаш йўллари, қанча масаллиқ, доривор кераклиги ва ш.к. ҳақида). *Пиво рецепти. Торт рецепти. Печенье рецепти.*

3 *кўчма с.т.* Оғир, ноқулай ҳолатлардаги ҳаракатлар учун тайёр йўл-йўриқ, қолип, андаза. *Ҳар хил вазиятга ярайдиган, ҳаммабоп ахлоқий-эстетик қоидалар рецепти йўқ.* Р. Усмонов, Одобнома. *Биз илгари дуч келмаган ўта мураккаб.. бир-биридан оғир масалаларни ечиш учун тайёр рецептлар бўлмаган ўша дастлабки пайтларда бундай иккиланиш ҳолатлари юз бериши ҳам табиий эди.* Газетадан.

РЕЦЕПТОРЛАР [*лот.* receptor – қабул қилувчи] *биол.* Ташқаридан ёки организмнинг ички муҳитидан юзага келадиган қўзғалиш (таъсир)ларни қабул қилиб, уларни нерв қўзғалишларига айлантириб, марказий нерв системасига ўтказиб берадиган сезувчи нерв толаларининг учлари ёки махсус ҳужайралар. *Кўз рангдор пардаси беш қават тузилган бўлиб, минглаб рецепторлар ёруғлик импульсларини қабул қилади.* «Фан ва турмуш».

РЕЦИДИВ [*лот.* recidivus – қайталанувчи] **1** Гўё йўқ бўлиб кетгандек туюлган бирор нарсанинг, ҳодисанинг такрорланиши, такрор юз бериши.

2 *тиб.* Бирор касалликка учраган ва тузала бошлаган беморда мазкур касалликнинг қайталаниши.

3 *ҳуқ.* Аввалроқ бирор жиноят учун жазоланган кишининг яна шундай ёки шунга ўхшашроқ жиноят содир қилиши.

РЕЦИДИВИСТ [«рецидив» с. дан] Такрор жиноят содир этган шахс.

РЕЦИПИЕНТ [*лот.* recipientis – олувчи, қабул қилувчи] *биол.* Бирор (одатда соғлом) организмнинг муайян аъзоси, тўқимаси, ҳужайраси кўчириб ўтказиладиган бошқа тирик организм (одам ёки ҳайвон).

РЕЧИТАТИВ [*итал.* recitativo < *лот.* recitare – овоз чиқариб ифодали ўқимоқ]

Баъзи вокал мусиқа асарларининг (мас., операнинг) куйга мос ҳолда оддий тилда айтиладиган ёки бадиий оҳангда ўқиладиган сўзлари. *Операнинг асосий вокал шакллари — речитатив, ария, ариозе, ансамбль ва хорлар ҳисобланади.* Ҳ. Носирова, Опера ҳақида айрим тушунчалар.

РЕША [*ф.* ریشه — илдиз, томир; тола] *эск. кт.* Илдиз, томир. *Бориб анга кесди яғоч решасин, Қўйди ўшал ерда унутиб тешасин.* Гулханий.

РЕЭВАКУАЦИЯ [ре.. + эвакуация] Уруш, табиий офатлар туфайли хавфсиз ҳудудларга кўчирилган аҳоли ва муассасаларни, уларга тегишли мол-мулкларни, уруш ва табиий офат оқибатлари бартараф этилгач, аввалги жойига қайтариш.

РЕЭКСПОРТ [ре.. + экспорт] *иқт.* Чет эллардан келтирилган молларни, қайта ишлов бермай, бошқа бирор мамлакатга қайта сотиш.

РЕЭМИГРАНТ *эск.* Муҳожирликдан ўз ватанига қайтиб келган киши.

РЕЭМИГРАЦИЯ [ре.. + эмиграция] Ўзга мамлакатларда яшаётган кишилар — муҳожирларнинг ўз ватанига қайтиши.

РИБО [*а.* رباء — судхўрлик; порахўрлик] *эск. кт.* **1** Пулдан эвазсиз фойда (фоиз) олиш; ғайриқонуний фойда; судхўрлик.

2 *иқт.* Қарзга берилган пулдан олинадиган фойда; фоиз, суд.

3 *кт.* Пора. *Қулоқ солинг, қайси виждон билан «фалон муфти рибо еди.. бу мударрис ҳам ислом оламига хиёнат қилишликни қабул қилди», деб айтасиз?* «Шарқ юлдузи». *Бугун ён-атрофимизда мункир ишлар урчиб кетган: ўғирлик, бузуқлик, алдов, рибо, хиёнат, фисқ..* «Мусулмонлар тақвими».

РИБОХЎР [*а.+ ф.* رباخور — судхўр, порахўр] *эск. кт.* Фойдахўр, судхўр.

РИВОЖ [*а.* رواج — тарқалиш, ёйилиш, кенгайиш; оммалашиш; пулнинг айланиши] **1** Бир сифат ҳолатидан иккинчи, юқори сифат ҳолатига ўтиш, ўсиш, юксалиш; тараққиёт, равнақ. *Фан ва техника ривожи. Ноҳақ ишга ривож йўқ.* Мақол. ▬ *[Сафаров:] Хўжайин бўлгандан кейин киши ўз хўжалигининг кам-кўсти, унинг ривожи тўғрисида ўйлайди, жон куйдиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ўсиб-униш, улғайиш, авж. *Пахтанинг ривожи яхши.*

3 Муваффақият; равнақ, юксалиш. *Бу савдогар [Абдулзиё] ишнинг ривожи ва кўраётган фойдаларидан оғиз очмади.* Ойбек, Навоий. *Дўстлик бўлмаган жойда ишнинг ривожи ҳам бўлмайди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Сенга бахтдан тахт тиларман, Толедан бошингга тож, Мулки ҳуснингга омонлик, Тожу тахтингга ривож.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Ривож бермоқ Ривожлантирмоқ, юксалтирмоқ. *Эҳтимол, у подшоҳ илм-маърифатга ривож бериб, аҳли фузалога меҳрибонлик кўрсатар.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ривож олмоқ (***ёки* **топмоқ)** *ёки* **ривожга минмоқ** 1) равнақ топмоқ, юксалмоқ, ўсмоқ, тараққий этмоқ. *Сўзни билган зарга бўлмайди муҳтож, Зар қиммати топар сўз билан ривож.* «Ақл ақлдан қувват олади». -*Муҳтарам карвонбоши, илоҳи сафарингиз бехатар бўлсин, савдонгиз ривож топсин, ҳузурингизга бир илтимос билан келдим, — деди бир карвонбоши иккинчисига.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳа, майли, ишларинг ривожига миниб, станцияларинг битсин.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Тадбиркорлик ўз-ўзидан давлат иштирокисиз, унинг ёрдамисиз ривож топмайди.* «Иқтисодий назария»; 2) кучаймоқ, зўраймоқ, авж олмоқ. *Боғиафзал қишлоқларида қадимги замонларда бир неча катта бойлар бўлиб, улар орасида қулдорлик жуда ривож топган экан.* С. Айний, Эсдаликлар; 3) ўсиб-унмоқ, улғаймоқ. *Ғўзалар яхши ривож олмоқда;* 4) муваффақият қозонмоқ. *Асриян ишга қанчалик диққат бермасин, ривож топмади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

РИВОЖЛАНМОҚ 1 Равнақ топмоқ, тараққий этмоқ, ўсмоқ; юксалмоқ, гуллаб-яшнамоқ. *Бу ҳамкорлик бугунги кунда янада ривожланиб, янги-янги уфқлар очмоқда.* Газетадан. *Яхшилик ва фаровонлик илдизи илм билан ривожланади.* Газетадан. *Донишманд халқнинг оғзаки ижоди асрлар оша авлоддан авлодга, тиллардан тилларга ўтиб яшаб, ривожланиб келади.* Газетадан. *Қишлоқда ривожланган инфратузилмани барпо этсаккина, қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар рўй бериши мумкин.* Газетадан.

2 Ўсиб-унмоқ, улғаймоқ, авж олмоқ. *Экинлар яхши ривожланмоқда.* ▬ *Яхши парвариш қилинган ғўзалар мавж уриб ривожланяпти.* Газетадан.

РИВОЧ [*ф.* ريواس] *қ.* **ровоч.** *Меҳмон келса, жойи тўр, жавзо келмай, ривоч сўр.* ▬ *Қир этакларида ўсган ривочни топиб, чайнаб кўрдим. Бу ўт менга сув ўрнини босгандай бўлди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

РИВОЯ [*а.* روايه – ҳикоя, қисса; афсона] Адабий асарда воқеаларни изчиллик билан сўзлаб бериш, баён этиш; баён.

РИВОЯТ [*а.* روايت – ҳикоя, қисса; афсона] **1** Авлоддан авлодга ўтиб келаётган, воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини баъзан уйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя; нақл, афсона. *Мавлоно Лутфий каби кекса шоир ҳали гўдак Навоийнинг ўзбек тилидаги бир байти учун ўзининг.. жамики ғазалларидан воз кечишга тайёр эканини билдирган экан. Бу ривоятга не дейсиз?* Ойбек, Навоий. *Баъзи ривоятларга қараганда.. фаришталар, жаннатдаги кавсар сувидан қумғонларимизга қуйиб кетар эмиш!* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Денгиз, кўҳна ривоятлардан Биттасини сўйлаб бер менга.* Э. Воҳидов, Нидо.

2 Умуман, оғиздаги гап, ҳикоя. *Ривоят қилишларича, Деҳлида шоҳ Акбар ҳукмронлик қилган замонда бир савдогар яшар экан.* Газетадан. *Ривоятларга қараганда, баъзи бир иссиқ мамлакатларнинг одамлари ҳароратдан дармонлари қуриб кун кечирганлар.* Газетадан.

3 *кўчма дин.* Бирор масала юзасидан шариат қонунлари асосида чиқарилган ҳукм, хулоса. *[Ғофир қозига:] Бу қандай зулм.. севган хотинимни золим бой тортиб олмоқчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига бойнинг ёнини оласиз! Ривоятлар топасиз! Фатволар ясайсиз!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Уламолар Ёдгор ва унга эргашиб келган хотинни тошбўрон қилиш тўғрисида ривоят ёзиб, эшон Султонга бердилар.* С. Айний, Доҳунда.

РИВОЯТЧИ Ривоят тўқувчи, ривоят айтувчи; ровий.

РИДО [*а.* رداء – халат, кийим] **1** Шайхлар, умуман руҳонийлар елкасига ёпинадиган чойшабсимон ёпинчиқ, либос; дарвишларнинг устки кийими. *Баъзи бурчакларда қора ридо кийган роҳиблар китоб варақлар, у ер-бу ерда олимлар қўлёзмаларга тикилиб ўтирарди.* Ҳ. Ғулом, Куба ҳақида ҳикоялар. *Уфқни ўз гавдаси билан тўсган паст-баланд тоғлар қоп-қорайиб, ридо кийгандек силлиқ кўринади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма кт.* Қоронғилик, зимистон, қора тун. *Эй йироқлар эркаси, сен Лутф эт-у ёнимда қол, Жисму жонингга бу севгим бўлмаса оғир ридо!* А. Қаҳҳор, Оқ ўрик. *Келар қора ридо кийган тун, сукунатнинг қушларин суяр.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

РИЕЛЬ Камбоджа Қироллигида пул бирлиги.

РИЁ [*а.* رياء – иккиюзламалик, мунофиқлик; носамимийлик] Мунофиқона хатти-ҳаракат; иккиюзламалик. *Қўшиқларим билмай ғаш, риё, Ошкор кулдим, ошкор чекдим ғам.* Зулфия, Хаёллар. *Туйғулар оламни пайпаслаб мисли ногирон, Топганлари бўлди жаҳолат, риё.* А. Орипов, Йиллар армони. *Фақир одамнинг дили равшан, риё ва макрдан холи, раҳм-шафқатга лиммо-лим бўлади.* Газетадан. *Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан ўнғайсизланган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Аҳли риё *ёки* **риё аҳли** Мунофиқлар, риёкорлар. *Самимий ошноман деб, ҳамиша айбинг истовчи, Тили дилга мувофиқ бўлмаган аҳли риёдан кеч!* Ҳабибий. *Риё аҳлининг алдоқ ҳурматига нафратим бордур.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. **Риё қилмоқ** 1) иккиюзламалик, мунофиқлик қилмоқ; 2) риёкорлик билан эзгу ишни йўққа чиқармоқ.

РИЁЗАТ [*а.* رياضت – гимнастика машқлари, спорт машғулоти; математика; қийинчилик, машаққат] **1** Қийинчилик, машаққат, оғир меҳнат, заҳмат. *Нега мени йўқламас дўстлар, Бир дўст, дея чекмас риёзат? Кимдир бугун ҳолимга кулар, Кимдир менга қилар хиёнат.* А. Пўлкан, Изҳор. *Бу изтироб кўнглини лаҳза сайин юксалтириб борар, чеккан ниҳоясиз риёзат ва азоблари эвазига унга юпанч берар, ҳамдард бўлмоққа ваъда этар эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Педагог обрўйини топиш учун чуқур билим эгаллаб, ақлу одоб касб этиб, бир умр ҳалол риёзат чекмоқ лозим.* Р. Усмонов, Одобнома.

2 *дин.* Дунёвий ишлардан ўзини, нафсини тийиб қийналиш, ўзини қийнаш; тасаввуфда тариқатнинг асосий шартларидан бири. *Риёзатнинг натижаси – фақру фано, яъни илоҳий ахлоқ соҳиби бўлиш.* Газетадан

РИЁЗАТЧИ *с.т. қ.* **риёзиётчи.** *Дунёга донғи кетган риёзатчилар, коинотшунослар шу жамоадан чиққан.* Газетадан

РИЁЗИЁТ [*а.* رياضيّات – математика, математик фанлар] *қ.* **математика.** *Абу Наср.. вақтини риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт илмларини ўрганишга сарф этар эди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар. *Дарҳақиқат, Худоёрбекнинг риёзиётга асло тоқати йўқ, уни отда чопиш, қилич солиш, базм.. кўпроқ қизиқтирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бу мактабларда ҳандаса, жуғрофия, риёзиётдан сабоқ бермоқдалар.* С. Сиёев, Аваз.

РИЁЗИЁТЧИ Математика илми билан шуғулланувчи. *Олим, фозил, риёзиётчилар, файласуфлар, — ҳозир бўлганлар фармонингизга мунтазирлар.* У. Исмоилов, Сайланма.

РИЁЗИЙ [*а.* رياضي – математикага, спортга оид] *эск. айн.* **математик.**

РИЁКОР [*а. + ф.* رياكار – иккиюзламачи, мунофиқ] Мунофиқона иш қилувчи, мунофиқларча иш тутувчи одам; иккиюзламачи. *Мен қорнидан бўлак ғами йўқ, риёкор, жоҳил уламоларни ёмон кўраман.* С. Сиёев, Аваз. *[Обидахон:] Эй, сен риёкор, маккор! Бир тўйни азага айлантириб, мағрур эдинг. Мана бу тўй — абадий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *-Шу бугуноқ орани очди қиламан, риёкор хотин, — деди Камолиддин Нурига.* С. Юнусов, Осон ишнинг оҳи бор.

РИЁКОРЛИК 1 Мунофиқлик билан шуғулланиш, мунофиқона хатти-ҳаракат, иккиюзламалик. *Риёкорлик қилмоқ.* ▬ *Наҳотки у [Эсон бобо] риёкорлик қилиб, милтиқни йўқолдига чиқарса? [деб ўйлади Нурилло]* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Моманг риёкорлик билан отамнинг кўп пулини олди.* «Гулихиромон».

2 Савобли, эзгу ишларни, хусусан хайр-эҳсонни одамлар кўриб мақтасин, деб манманлик билан амалга ошириш. *Салқин хона ичида ўтирган усталарнинг биронтаси ҳам Бойсунқур ёнида Аҳмад Чалабийнинг риёкорлик билан айтаётган гапларига жавоб тариқасида бирон сўз айтиша олмади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

РИЁКОРОНА [*а. + ф.* رياكارانه] *рвш.* Риёкорлик билан, иккиюзламалик билан; мунофиқона. *Риёкорона иш тутмоқ. Риёкорона хатти-ҳаракат.* ▬ *Шундай экан, риёкорона ҳаёт кечириш бизнинг жамиятимиз аҳлига муносиб эмаслигини ҳар биримиз англаб етмоғимиз лозим.* «Ҳаёт ва қонун».

РИЁЛ, риал [*а. + ф.* ريال] Саудия Арабистони, Эрон Ислом Республикаси, Яман, Қатар ва Уммонда пул бирлиги.

РИЖО [*а.* رجاء] *кт. айн.* **ражо.** *Париваш Лайлисан, билсанг, Инон, гарчи тасаввур бу; Тафаккур не! Севолсанг, бас, Кўнгилда ранж, рижо йўқдир.* А. Қаҳҳор, Оқ ўрик. *Улар [Жаҳон опа] ялиниб-ёлвориб, Ўғилойни қутқариб қолишни рижо қилғон эдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

РИЗВОН [*а.* رضوان – мамнунлик, мамнуният; хурсандчилик; розилик; хайрихоҳлик] **1** *кт.* Саккиз беҳиштнинг бири, розилик ва мамнуният жаннати. *Келдинг оламга, демак, Ерни этмоғинг керак Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 *кўчма* Жаннатмисол боғ, боғ-бўстон. *Қиёсинг ой, қуёш бўлмиш азалдан.. Боболар куйлаган дилбар ғазалсан, Жаннатсан, ризвонсан, юртим, гўзалсан.* У. Пўлкан, Бир баҳор достони.

РИЗО [*а.* رضاء – мамнунлик, хурсандчилик; розилик; хайрихоҳлик] **1** Розилик жавоби, розилик. *Ризо қилмоқ. Ризо бўлмоқ. Сукут — аломати ризо.* Мақол. ▬ *Олимхон аканинг олдида сўз бердим. Ота ризоси — фотиҳа билан баравар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кесим взф.* Рози, рози бўлди, кўнди. *Онажон, сизнинг шодлигингиз йўлида ҳар бир оғирликларга бу бахти қаро қизингиз ризодур, онажон!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эрта она тилим агар йўқолса, Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

РИЗОЛИК *кт. айн.* **розилик.** *Ризолик бермоқ. Ризолигини олмоқ.* ▬ *Ўзбек ойим боши билан келинига ризолик билдириб, «баракалла» деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қулингиз айтмоқчиманки, бундай муҳим ишда барча нуфузли бекларнинг ризолигини олмасак бўлмас.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ахир келган-кетганга ризолик бериб, видолашиб ётган эмиш. Мен ҳам сўнгги бурчимни адо этиб қўйсаммикан? Йўқ, энди дўстлик риштаси узилди!* С. Сиёев, Аваз.

РИЗОСИЗЛИК *кт. айн.* **норозилик.** *Зайнаб эгачисининг ҳалиги гапига ризосизлик билдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эрининг бу жасоратига қарши Офтоб ойимнинг юзига ризосизлик белгиси чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РИЗҚ [*а.* رزق – яшаш воситаси, таъминот; улуш, насиба] **1** Ҳаёт учун зарур озуқ, озуқа, кут, насиба, овқат. *Қунт билан ўрган ҳунар, Ҳунардан ризқинг унар.* Мақол. *Меҳ-*

мон келар эшикдан, Ризқи келар тешикдан. Мақол. ▬ *Ҳар бир одам дунёга келар экан, ўз ризқи билан туғилади, деган гап бор.* «Ёшлик». *..Ризқи она ерга сепилган халқим, Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол, Миллион этатларга эгилган халқим.* А. Орипов.

2 *кўчма* Бирор иш, ҳаракат ва ш. к. учун асос бўлган нарса; озуқа, озиқ. *Қудрат.. ялмоғиз қашшоқликнинг заҳарли томирлари ўз [унинг] ризқини қаердан ва қандай олишини яхши билиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отлар даштларда қўйларга қараганда кўпроқ чидамли бўлади, ўз ризқини бемалол топиб ейди.* Газетадан. *Дон — инсоннинг, сомон — чорва молларининг ризқи.* Газетадан. *Бу ўрик меҳнатсевар деҳқоннинг меҳри ва муҳаббатидан ризқ олиб ўсарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *дин.* Қуръони карим, Ислом динига кўра, худо ҳар бир киши, жонивор учун атаган, ўлчаб, белгилаб қўйган насиба, улуш. *Карвон кўп, ризқи бўлак.* Мақол. ▬ *Оллоҳ йўлида ҳижрат қилган, сўнгра қатл қилинган ёки вафот топган зотларни, албатта, Оллоҳ гўзал ризқ билан руҳлантирар.* Газетадан. *Сен билан менинг тан-жонимиз соғ бўлса, бу жўжаларнинг ризқини худо беради..* К. Яшин, Ҳамза. *[Зеби:] Йигит моли ерда, ҳар кимни худойи таоло ўз ризқи билан яратади, ўғлим.* У. Исмоилов, Сайланма. *Эй парвардигори олам, ўғлим Ҳамзахоннинг умрини узун, иқболини баланд, ризқини мўл қилгайсан.* К. Яшин, Ҳамза.

Ризқи тугамоқ Ўлмоқ, йўқ бўлиш, тугаш вақти келмоқ. *Гўдакнинг ризқи тугаб, куни битган. Тақдири азалда битилгани шундай бўлгач, начора! Бандалик экан..* К. Яшин, Ҳамза.

РИЗҚЛАНМОҚ 1 Ризқ, озуқа олмоқ, озиқланмоқ, овқатланмоқ. *Тупроқдаги бактериялар ҳаводаги азот билан ризқланиб, азотли бирикмаларни ҳосил қилади.* ▬ *Тақсир, мен хон бераётган пулга қизиқмайман, у пул ўзимни ҳам тўйғизмайди. Мени ҳунарим қизиқтиради, ундан ризқланаман.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Бирор иш, ҳаракат ва ш. к. учун озиқ, озуқа олмоқ.

РИЗҚЛИ 1 Озуқа, овқат моддасига бой бўлган; тўйимли. *Ризқли моддалар.* ▬ *Ҳаводаги азотдан ризқли моддалар тайёрлайдиган бактериялар нўхат, ловия, беда ва бошқа ўсимликларнинг илдизида кўп бўлади.* Газетадан.

2 Насибали, ризққа эга, ризққа бой. *-Болаларингиз ҳамма вақт ризқли бўлишсин. Илло, ўзинглар ҳам катта савоб иш қилгансизлар, у дунёю бу дунё кам бўлмайсизлар, — деди чол Меҳринисага.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *-Рост айтасиз, ризқли молда, қўлдан берганингизга қаноат қилмайди, энди кўклам чиқиб келаётир, бундан бу ёққа озгани озган, — деди канизлар.* «Алпомиш».

РИЗҚ-НАСИБА, ризқу насиба *қ.* **ризқ 1, 3.** *Инсон қаерда бўлмасин, ўз ризқу насибасини теради, фақат фидокорона меҳнати, она ерга муҳаббати туфайли бахт топади.* Газетадан. *Раҳматилла ва Нозимахон ўқишни тугатгач, ризқ-насиба экан, шаҳарда яшаб қолдилар.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Сен билан бизнинг бу ердан ризқ-насибамиз узилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

РИЗҚ-РЎЗ, ризқи рўз [*а.+ ф.* رزق روز — кун(да)лик ризқ, овқат] Кундалик ҳаёт учун зарур озуқа, овқат. *Тошкент қадим-қадимдан нон шаҳри, ризқ-рўз шаҳри бўлиб келган.* Газетадан. *Нон — ризқ-рўзимиз, фаровон ҳаётимиз кўрки, файзи, бебаҳо бойлигимиз.* Газетадан. *Пахта шундай бир мўъжизавий неъматки, у кўп жиҳатдан ризқи рўзимизни ҳам таъминлайди.* Газетадан.

РИКША [*ингл.* ricksha — *яп.* дзинрикися < дзин — одам + рики — куч + ся — арава] Шарқий ва Жанубий Осиёнинг айрим мамлакатларида одам тортиб юрадиган, одам ва юк ташувчи икки ғилдиракли қўларава ва шундай аравани тортиб юрувчи киши, ҳаммол. *[Ҳиндистонда] Рикшадан тортиб, ялтироқ енгил автомобилларгача — ҳаммаси бор.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Ўша кун Пекинда рикша бир гўдак Очлик, ишсизликдан қотди кўчада.* Миртемир, Танланган асарлар. *Рикшалар ўтарди йўлда пилдириб, Иссиқдан тиқилиб жони ҳалқумга.* Ҳ. Шарипов, Қуёшга ошиқман.

РИМ: Рим папаси *қ.* **папа** II. **Рим рақамлари** Қадимги римликлардан олинган I, II, III, V каби рақамлар.

РИНГ [*ингл.* ring — доира] *спрт.* Бокс мусобақалари ўтказиладиган, атрофи ҳимоя арқонлари билан ўралган чорбурчак майдонча. *Тренерлик иши эса негадир қовушмади. Сабабини айта олмайман. Лекин рингда секундантлик қилишда унга тенг келадигани*

йўқ. Газетадан. *Рингда бир неча бор зафар қучган ҳамюртимиз А. Григоряннинг жанг ўтказган қўлқопини кўрдим.* Газетадан.

Ринг қироли *с.т. кўчма* Бокс бўйича машҳур чемпионларга берилган лақаб.

РИНГГИТ Малайзиянинг асосий пул бирлиги; Малайзия доллари.

РИНД [*ф.* رند – чаққон, олғир; муғамбир; довюрак, ботир; сохта художўй] **1** *эск. кт.* Шариат қоидаларига бўйсунмовчи; эркин фикр юритувчи; довюрак. *[Абдуваҳобнинг] Ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турган Мирҳайдар унинг ўзига яраша ринд табиатли киши эканини пайқади.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. *Отасининг қадрдони, Ҳиротнинг мўътабар зотларидан бири – Бадианинг отасини ўз эшигида кўриш ринд табиатли йигитни довдиратиб қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Рўзимбой чойхонаси созандалар, умуман, ринд кишилар йиғиладиган ер эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Тасаввуфда: ботинан художўй, тақводор бўлса-да, зоҳиран майхўр, ишратпараст бўлиб яшовчи киши.

РИНДЛИК Шариат қоидаларига бўйсунмаслик, эркин фикр юритишлик. ..*Муқимийнинг риндлиги қўзий бошлади.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

РИНИТ [*юн.* rhis, rhinos – бурун] Тумов; бурун шиллиқ қаватининг яллиғланиши. *Ринит билан оғримоқ.*

РИНОЛОГИЯ [*юн.* rhis, rhinos – бурун + logos – фан, таълимот] *тиб.* Оториноларингологиянинг бурун тузилишини ўрганувчи, бурун касалликлари ҳамда уларнинг олдини олиш ва даволаш масалалари билан шуғулланувчи соҳаси.

РИНОСКОПИЯ [*юн.* rhis, rhinos – бурун + skopeo – қарайман, кузатаман] *тиб.* Бурункергич ва пешонага тақиладиган махсус ойнак ёрдамида бурун бўшлиғи ва деворини текшириш.

РИОЯ [*а.* رعايه – ғамхўрлик, парвариш; ҳомийлик, васийлик; амал қилиш, бўйсуниш] **1** Ҳурмат ёки юз-хотирлик юзасидан қилинган муомала; ҳурмат, андиша. *Ўлим деган нарса кўз ўнгига келиб тўхтагандан кейин, Отабекдек меҳмонлар риояси кўнглидан ювилур, сўзнинг тўғрисини айтишга мажбур бўлурлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [Азимжон] мастликда ҳеч кимни риоя қилмаслигини мингбоши яхши билар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бўйсуниш, амал қилиш, сақлаш. *Қонунга риоя қилмоқ. Тартибга риоя қилмоқ.* ▬ *Аҳмаджон, командирнинг буйруғига қаттиқ риоя қилиб, жанг майдонини диққат билан кузатар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

РИОЯ-АНДИША *айн.* **риоя 1.** -*«Эскилик, эскилик» деб юриб, яхши-яхши урф-одатларимизни йўқотиб юбордик. Риоя-андишани унутдик, – деди Пирназар полвон.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

РИОЯЛИ Риоя, андиша қиладиган, андишали. *Риояли одам.*

РИОЯСИЗ Риоя, андиша қилмайдиган, андишасиз, беандиша. *Риоясиз аёл.*

РИОЯСИЗЛИК 1 Риоясиз эканлик. *Бу қадар риоясизлигингиз кишига қаттиқ таъсир қиладир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Риоясиз кишиларга хос хатти-ҳаракат; андишасизлик. *Риоясизлик қилмоқ.*

3 Бўйсунмаслик, амал қилмаслик. *Баъзи ҳолларда санитария назорати органлари.. санитарияга риоясизлик фактларини қуруқ қайд қилувчилар ролини бажарадилар, холос.* Газетадан.

РИСОЛА [*а.* رسالة – юксак вазифа, ваколат; мактуб, нома; илмий асар, маъруза; хат-хабар] **1** *тар.* Бирор касбга, соҳага ва унинг тартиб-қоидаларига оид китобча, йўриқнома, низомнома. *Темирчилар рисоласи. Кўнчилар рисоласи.* ▬ *Мискарлар, тунукасозлар кўп антиқа гапларни, ҳар қайсилари ўзларининг.. рисолаларини яхши биладилар.* Ойбек, Болалик.

2 Айрим масалаларга бағишланган илмий асар, китоб. *[Восифий:] Рост айтдингиз, шайх Баҳлул! Яхши ном китобнинг ҳусни турур. Китобхон рисоланинг номиға қараб сотиб олур, мазмуниға қараб баҳо берур.* М. Осим, Зулмат ичра нур. *Бахтиёр ҳаётнинг рисоласига Дебоча бўлолгай албатта фарзанд.* С. Абдулла.

3 Кичик ҳажмли китоб, брошюра. *Лотин алифбоси ҳақида рисола. Одоб-ахлоқ ҳақида кичик рисолалар сотувда кўп.*

Рисолага тўғри келмаслик Талаб, меъёрга жавоб бермаслик, белгиланган тартибга мувофиқ бўлмаслик. *Лекин таклиф илгарироқ манзират қилинган, бюродаги тортишувдан сўнг эса рад этиш рисолага сира тўғри келмасди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

Рисоладаги(дек) Рисолада кўрсатилганига жуда мос; талабга, меъёрга жавоб берадиган даражада, ҳақиқий, расмана. *Қорачадан келган эпчил Маҳкамбой ака маслаҳат ошлари тепасида тургани учун, ҳар бир тўй ва маърака рисоладагидек ўтарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *[Директор Аъзамга:] Мен қизни суриштирдим. Рисоладаги қиз.. Қани, тўйни қачон қиламиз.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Мўъжаз фаввора, шийпон, уйларнинг жойланиши – ҳаммаси рисоладагидек.* Т. Малик, Шайтанат. *Улар ўзларига берилган топшириқни рисоладагидек ўринлатишга интилишяпти.* Газетадан.

РИТМ [*юн.* rhythmos < rheo – оқаман] **1** Ҳодисалар ва жараёнларга хос айрим элементларнинг муайян изчиллик, кетма-кетлик асосида такрорланиб, алмашиниб келиши ва шундай такрорийликнинг ўзи. *Кишининг руҳий ҳолати ва иш қобилияти муайян ритмга бўйсунишини одамлар аллақачон пайқашган.* Газетадан. *Қаердаки ҳаёт мавжуд экан, ўша ерда ҳаётий жараёнларнинг мунтазам ритми, маромийлиги мавжуд.* Газетадан.

2 Шеърият, мусиқа, рақс, тасвирий санъат, меъморлик ва б. санъат турлари шаклларининг асосий жараёни, тартиби, қонун-қоидаси. *Музикада товуш билан ритм чамбарчас боғланган бўлади.* И. Акбаров, Музика саводи. *Саҳнада икки аёл қўлларини ритмга мослаб, ҳинд рақси учун характерли бўлган мақомда ўйнамоқда.* Газетадан. *Усуллар рақснинг ритмларидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Бармоқ вазнида ритм мисрадаги бўғинларнинг сони, миқдорига, гуруҳланиб такрорланишига боғлиқдир.* «Адабиёт назарияси».

РИТМИК [*юн.* rhythmikos] Ритмли, ритмга асосланган, бўйсундирилган; бир ўлчамдаги, бир вазндаги.

Ритмик гимнастика Мусиқа садолари остида ижро этиладиган, соғломлаштиришни кўзда тутувчи бир қанча жисмоний машқлар; аэробика.

РИТМЛИ Маълум бир ритмга эга бўлган. *Ритмли мусиқа.*

РИТОР [*юн.* rhetor – нотиқ, оратор] Юнонистон ва Қадимги Римда чиройли сўзлайдиган киши, нотиқ.

РИТОРИК Нотиқлик санъатига оид; нотиқлик қоидаларига асосланган. *Риторик нутқ. Риторик услуб.*

РИТОРИКА [*юн.* rhetorike – нотиқлик] **1** Антик даврда ва кейинги даврларда нотиқлик санъати ва умуман бадиий наср ҳақидаги фан; нотиқлик назарияси ва санъати.

2 Баландпарвоз, тамтароқли, лекин қуруқ, мазмунсиз нутқ, баён. *Шоир мардлик, жасорат ҳақида куйлаганда, бир томонлама қуруқ мақтов, баландпарвоз, ҳиссиз риторикадан қочади.* Газетадан.

РИХТАГАР [*ф.* ريخته‌گر – металл эритувчи, қуювчи] *тар.* Қуйма металл буюмлар тайёрловчи уста; қуймачи.

РИХТАГАРЛИК *тар.* Рангли металл (асосан мис, бронза, қалай)дан турли буюмлар қуйиш касби. *13–14-асрларда Византия, Венеция.. ўзининг рихтаргарлик буюмлари билан шуҳрат қозонди.* Газетадан.

РИЦАРЛИК 1 *тар.* Рицарь унвони.

2 Ўрта асрларда Ғарбий ва Марказий Европада асосан ҳарбий феодаллардан иборат имтиёзли ижтимоий табақа. *Аъамон! Аъамон! Бу не ҳақорат! Қайда олийжаноб рицарлик руҳи?* А. Шер, Қадимги куй

3 *кўчма* Фидокорлик, олийҳимматлик, олийжаноблик.

РИЦАРЬ [*нем.* Ritter – отлиқ, чавандоз] **1** *тар.* Ўрта асрларда Ғарбий ва Марказий Европада ёшлигидан жасорат, мардлик, бурчга садоқат, аёлларга нисбатан олийжаноблик руҳида тарбияланган жанговар феодал. *Рицарлар салиб юришларининг асосий ҳарбий кучини ташкил этган.* Газетадан.

2 *кўчма* Фидокор, олийҳиммат, олийжаноб киши.

РИЧАГ [*р.* рычаг – тўқмоқ, сўйил, гаврон] **1** *физ.* Бирор таянч нуқтасига эга бўлган ва оз куч билан катта кучни мувозанатга келтирадиган оддий қурилма; пишанг. *Юкни ричаг ёрдами билан кўтармоқ.*

2 Бирор ишни бажариш, бошқариш учун хизмат қиладиган дастали пишанг. *Ғанижон ака отдан сакраб тушиб, плугларнинг ричагини туширди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

РИЧАГЛИ Ричагга эга бўлган, ричаг билан таъминланган. *Ричагли тарози. Ричагли механизм.*

РИШВА(Т) [*а.* رشوه / رشوت – пора; пора билан сотиб олиш] *эск.* Бирор ишни битириш учун манфаатдор киши томонидан амалдорга яширин ва ғайриқонуний равишда берилган пул ёки ашё; пора. *[Қори:] Ҳу-*

кукматимиз даврида адлу адолат барқарор бўлди. Лекин афсус ва надоматлар бўлсинким, ришват, яъни пора отлиқ бало адолат қалъасига рахна солмоқда. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Айрим пьесалар нашри ва спектакль ижроси учун рухсат берилмаса, маъмурларга «ришват», яъни пора беришга мажбур бўлинган.* Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

РИШВА(Т)ХЎР [*а.+ф.* رشوه‌خور – ришва еювчи, порахўр] *эск. қ.* **порахўр.**

РИШВА(Т)ХЎРЛИК *эск. қ.* **порахўрлик.** *-Э, ришватхўрлик роса авж олган бу ерда, – деди Абдулазиз ака хўрсиниб.* Х. Султон, Бобурийнома.

РИШВАТЧИ *эск. қ.* **порахўр.**

РИШТА [*ф.* رشته – ип, тола] **1** *эск.* Ип, каноп. *Пардалари риштаси эл жонидин.* Ойбек, Навоий.

2 *тиб.* Тери остида пайдо бўладиган, ип каби узун қурт; шу қурт орқали тарқаладиган касаллик. *..одам бошига бало бўлиб келган ришта касаллиги ҳам бутунлай тугатиб юборилди.* Газетадан. *..ўғли фронтга жўнаётганида, «Бухорога борсанг, сувидан ичма – ришта касали бор», деб меҳрибонлик қилган.* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Икки нарса, кимса, ҳодиса ва ш. к. ни ўзаро узвий боғловчи восита; боғланиш. *Дўстлик риштаси.* ▬ *Севги фариштаси, Ҳар найза киприги, Гўё жон риштаси, Гўё ишқ кўприги.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар. *Вужудини ширин туйғу қамраб олди. Бу туйғу, кўзга кўринмас ришталари билан уни сеҳрлагандай, ўйлаганларини тўзитди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ахир келган-кетганга ризолик бериб, видолашиб ётган эмиш. Мен ҳам сўнгги бурчимни адо этиб кўйсаммикан? Йўқ, энди дўстлик риштаси узилди.* С. Сиёев, Аваз.

Кўнгил риштаси Кўнгил ипи, юрак томири.

РИҚО [*а.* رقاع – кичик мактублар; ёзув тури] *эск.* Араб ёзувидаги нозик хат услубларидан бири. *Бир неча лаҳзадан кейин сарғиш қоғоз бетига риқо билан ёзилган хат пайдо бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

РИҚҚАТ [*а.* رقّت – нозиклик, мулойимлик, кўнгилчанлик] Нозиклик, юмшоқлик. *Дуо асноси, айниқса биринчи хонадаги аъённинг йиғи ва риққат оҳанглик «омин! омин!» садолари «ҳузури муборак»ни титратди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РИҲЛАТ [*а.* رحلت – сафар, саёҳат; жўнаш, жўнаб (кўчиб) кетиш,] Кўчиш; ўлиш. *Одам эса гуноҳу савобнинг ўртасида, куни битганини билмай, нариги дунёга риҳлат қилади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Волида ҳам дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилдилар.* «Муштум».

РОБИТА [*а.* رابطه – алоқа, муносабат, боғланиш; иттифоқ] **1** *эск. кт.* Ўзаро муносабат, алоқа, боғланиш. *Гарчи Алишер жаноблари билан фақирнинг орасида муносабат ва робита унчалик барпо бўлмаган эса-да.. у жанобнинг ҳаётларига доир баъзи жиҳатлардан хабардорман.* Ойбек, Навоий. *-Лекин, – деди Қулмурод ўз сўзининг давомида, – сиёсий бўлим бу жиноят орасида бир робита топмоқчи бўлиб, кўп ишлади.* С. Айний, Қуллар. *Семинар давомида сўзга чиққан нотиқлар икки халқ ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик робиталари ҳақида атрофлича тўхталдилар.* Газетадан.

2 Тасаввуфда: мурид билан унинг пири ёки авлиё (валий) ўртасида пайдо бўладиган руҳий алоқа, боғланиш.

РОБИТАСИЗЛИК Ўзаро муносабатсизлик, алоқасизлик, боғланишсизлик. *Йўлчи ўрнидан туриб, елкасига эски юпқа пахталик чопонни ташлади, дераза орқали кўринган бир парча кўкка қаради, юрагида қандайдир бир бўлишсизлик, ҳаёт билан робитасизлик сезди.* Ойбек, Танлаган асарлар.

РОБОТ [*чехча* robota – эрксиз меҳнат; бу сўз биринчи марта чех ёзувчиси К. Чапек пьесасида ишлатилган] Инсон ҳаёти учун хавфли шароитларда, одам бориши қийин бўлган объектларда унинг функциясини – мураккаб ҳаракатларини қисман ёки тўла бажарувчи машина-одам; автомат. *Роботлар фақат инсон ҳаётини енгиллатиш учунгина яратилади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ўзимни одам эмас, қандайдир бир маълум вазифани бажарадиган роботдек ҳис эта бошладим.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Саноат роботлари машиналарнинг янги вакили сифатида дунёга келди.* «Фан ва турмуш».

РОВ [*ф.* رو – юриш; юрувчи] *с. т. қ.* **рав.** *[Йигит] Шакарга бир нималар деб пичирлабди-да, уни олиб кетибди. Ров бориб келаман деган, Зиннат буви кечгача кутибди. Шакар келмабди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Унсин ўрнидан турди. Шу топда кайфи*

жуда чоғ эди, дугонаси Раъноларникига ров чиқиб келгиси келиб кетди. Ойбек, Улуғ йўл.

РОВИЙ [*а.* راوی – ҳикоя қилувчи, ривоят, нақл айтувчи] *эск.* Ривоят қилувчи, нақл қилувчи; қисса айтувчи. *Ровий айтар: фалокатга учраб карвон Поёни йўқ саҳрода, омон қолди бир одам.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ. *Ва шу сабаб ровий сифатида сўз навбатини муҳтарам «Бой ота» – Зокиржон акага бермоқчиман.* Х. Султон, Бобурийнома. *Девлар ва жинлар ақллироқ ровийни, ровийлар эса яна бир зукко одамни – Муҳаммад пайғамбарни кутарди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

РОВОН Деразалар билан ўралган айвон, ойнабанд айвон. *Абдулла чамадонини ерга қўйиб, ровонга кўтарилди.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин. *Ровонимизнинг тўрида дадам тиш ковлаб, ёнбошлаб ётибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Катта ҳовли: токлар баланд кўтарилган, олди ровон беш хонали уй, эшик-деразалари дид билан бўялган.* Й. Шамшаров, Тошқин.

РОВОЧ [*ф.* ریواس / ریواج] Тоғларда ёввойи ҳолда ўсадиган, пояси серсув, нордон, ейишли, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. *Тоғли аҳоли қадимдан ровочнинг поясини майдалаб, мураббола тайёрлаган.* Газетадан.

РОВОЧЗОР Ровоч кўп ўсадиган жой.

РОВОЧФУРУШ Ровоч етиштирадиган ва уни сотадиган деҳқон.

РОГАТКА [*р.* рог – «шох, мугуз» с. дан] Кичик тош, кесак ва ш. к. отиш учун айри ёғочга резинка ўрнатиб ясалган асбоб. *Рогатка отмоқ.* ▬ *Рогаткадан отилган тош каптарнинг ўнг оёғига, қаноти остига теккан эди.* Газетадан.

РОДИЙ [*юн.* rhodos – гул, атиргул] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушсимон кўкиш рангли, коррозияга чидамли қаттиқ металл.

РОЖА [*санск.* ража > *ф.* + *ҳинд.* راجه – ҳинд ҳукмдорларининг номи] *тар.* Ҳиндистондаги ҳокимлар унвони.

РОЖДЕСТВО [*р.* рождество – туғилиш, милод] Христиан динининг асосий байрамларидан бири; Исо пайғамбарнинг туғилиш куни байрами.

РОЗ [*ф.* راز – сир; махфий нарса, гап] *кт.* **1** Махфий тутилган нарса; сир. *Ҳали қалби роз айтмаган, сўз бермаган ҳеч кимга.* Р. Бекниёз, Тўтиё.

2 Дилдаги орзу, тилак, дард. *Булбул гулларга этиб роз, Навоий назмига кўп асир.* Т. Тўла, Асарлар. *Кўнглида олов, сўроқ, гина.. пича ноз ҳам бор: янги хўжалик.. ёрдам керак деган роз ҳам бор.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

РОЗЕТКА [*фр.* rosette – кичкина, майда гул] Турли электр асбобларни электр тармоғига улаш учун хизмат қиладиган икки тешикли мослама. *Ихтирочи.. стол лампасининг ипини розеткадан чиқариб олиб, ўрнига машинасининг вилкасини тиқди.* «Муштум».

РОЗИ [*а.* راضی – қониққан, мамнун; ёқимли] (*кўпинча кесим взф.*) Мамнун, хурсанд, шод. *У турмушидан рози. Ота рози – худо рози.* Мақол. ▬ *Мирзакаримбой жиянининг ишга тайёрлигидан рози каби кулдида, индамасдан ичкари кириб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Ҳожи:] Ўғил деган шундоқ бўлсин, отасини рози қилсин. Кўп хурсанд бўлдим.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

Рози бўлмоқ Розилик бермоқ, унамоқ, кўнмоқ. *Нисо буви, нима бўлди-ю, уста Абдураҳмон киши қўйганда, дарров рози бўла қолди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. *У рози бўлиб, хотини, қизи, уч шогирди ва аравакашни олиб, нажжор Абдулазиз ҳовлисига жўнади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Лекин бугун илк марта ўз эрким, ўз иродам билан қилган хайрли бир ишимдан рози бўлиб турибман.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Рози дил** *ёки* **дил рози** Дилдаги орзу, истак, дард. *Рози дил айтай десам, хилват қилолмай доғман.* Муқимий. *Бу ёзувларда менга нотаниш бир кимсанинг чуқур ҳасрати, дил рози бор эди.* «Ёшлик». *Нуқсонингни айтган дўстга дил розингни изҳор этсанг арзийди.* Газетадан.

РОЗИДИЛ [*ф.* رازدل – кўнгил сири] *с.т.* *қ.* **рози дил.** *Ҳаёт, булоқ бошидаги розидилдан кейин онасига ёрилган, йиғлаб туриб, истакларини айтган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

РОЗИЛАШМОҚ Бир-бири билан розиризолик тилаб видолашмоқ. *-Туғилиб ўсган жойлардан кетиш кўзимга ўлимдан ҳам ёмон кўринаётгани учунми, билмадим, ҳамма билан розилашгим келяпти, – деди Салтанат.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

РОЗИЛИК 1 Мамнунлик, хурсандлик. *Йўлчи унинг ҳар бир сўзида, овозида, кулги-*

сида қувонч ҳам тақдирдан розилик сезди. Ойбек, Танланган асарлар. *Енгил таъзим билан [Навоий подшоҳга] ўз розилигини билдириб, табассум қилди-да, секингина деди..* Ойбек, Навоий.

Розилик тиламоқ (*ёки* **сўрамоқ**) Бир-биридан қилмишларини кечиришни сўраб видолашмоқ, розилашмоқ.

2 Унаганлик, кўнганлик ҳақидаги тасдиқ жавоби. *Розилигини олмоқ.* ▬ *Собир, то кампирнинг розилигини олишгунча, тўй қилишга жазм қилмади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Қиз томон, гарчанд тўйни бир йил кейин қилиш шарти билан бўлса ҳам, розилик берибди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

РОЗИ-РИЗОЛИК Ўлим ёки видолашиш олдидан бир-биридан розилик сўраш. *..бобо кампири билан рози-ризолик тилашиш пайти келганини тушунди ва аъзойи бадани бирдан бўшашиб кетди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *-Рози-ризолик сўраладиган бир пайтда, ҳурматли бек, сиз мени синглингиз ёнида олиб қолиб, кўнглингиз борлигини айтмоқчисиз, кечикдингиз, бек! [деди Бадиа Худойбекка].* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шу кеча унинг онаси қазо қилди, ўлим олдида невара-чеварасигача ёнига чақириб, улардан рози-ризолик олди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

РОЗИЧИЛИК *айн.* **розилик 2**.

РОЗМАРИН [*лот.* ros marinus – денгиз шудринги] Жанубда ўсадиган, қишга сақланадиган ширин, хушбўй олма тури.

РОЙ(И) *с. т.* Раъй.

Ройи келди, ройикелди Раъйи келса, хушига ёқса жуда яхши; раъйи тез ўзгарадиган. *Ройи келди одам.* ▬ *Қўзибойни болалар аълочилиги учунгина эмас, ҳеч ким билан уришиб-талашмайдиган, ройи келди бўлгани учун ҳам ёқтирсалар керак.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *У [Дамин] Собирни унча-мунча нарсани кўнглига олмайдиган ройи келди деб юрарди.* Ҳ. Назир, Танланган асарлар.

РОЙ(И)КОРЧИ *салб.* Ҳар кимга ақл ўргатаверадиган, ақл ўргатишни, йўл-йўриқ кўрсатишни яхши кўрадиган; маслаҳатгўй. *Ройикорчи одам.* ▬ *Халқимизда мардикор бир танга, ройикорчи ўн танга, деган мақол бор.* Н. Сафаров, Оловли излар. *-Оббо, ройкорчининг кўплигидан куйдим-да! – деди Ражаб ака Искандарга.* П. Қодиров, Эрк. *Бу ўзимизнинг театр. Қанча хоҳласанг, шунча айтирамиз. Сендақа ройкорчини қара-ю!* С. Аҳмад, Уфқ.

РОЙИШ [*ф.* رایش – унинг раъйи, кўнгли] *с.т.* **1** *от* Майл, мойиллик, раъй. *Кечгача, Элмуроднинг ройишига қарамай, унга учтўрт телефон қоқди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Розиқжон илгариги авжи йўқ, менга унча ройиши бўлмай, қўл учида кўришди.* И. Ўктамов, Ҳикоялар.

2 *сфт.* Сўзга кирадиган; мўмин, мўминтой. *Ройиш бола.* ▬ *..боланинг уволи тутсин ўша сариқ Потмани. Битта боланинг тирноғига зор одамлар бор. Бу хотин шундоқ ройиш болани оч ташлаб қўйибди. Эшикдан киришиданоқ пайқовдим..* Мирмуҳсин, Умид.

РОК [*ф.* راک – жанг ноғораси; алоҳида куй, оҳанг номи] Шашмақом таркибидаги Бузрук мақоми ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан бири.

РОКИРОВКА [*фр.* roquer – рухнинг ўрнини алмаштириш < *ф.* رخ – рух, тўра] Шахмат ўйинида: шоҳга яқин ёки узоқроқ турган руҳнинг шоҳ билан ўрнини алмаштириб, уларни ёнма-ён жойлаштиришдан иборат бир юриш. *Катта рокировка. Кичик рокировка. Рокировка қилмоқ.*

РОЛИК [*нем.* Rolle – ғўла, ўқ] **1** Электр шнурини девор, шип ва б. жойга маҳкамлаш учун ишлатиладиган чинни ёки сопол ғалтак.

2 Машина, механизм, деталь ва ш. к. нинг ғалтаксимон айлана қисми.

3 Асфальтланган сатҳда учишга мўлжалланган конькининг ғилдиракчалари.

4 *кўчма* Реклама ёки ахборот мазмунидаги қисқача фильм; видеоклип. *Реклама ролиги.* ▬ *Махсус лавҳа, ролик ва телекўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда.* Газетадан.

РОЛИКЛИ Ролиги бўлган, ролик билан таъминланган. *Роликли подшипник. Роликли коньки.*

РОЛЬ [*фр.* role – ўрама қоғознинг биринчи бети, рўйхат] **1** Ёзувчи томонидан пьеса ёки сценарийда яратилган образ ва шунга мувофиқ актёр томонидан саҳнада, экранда ижро этилган бадиий образ. *-Ҳожибеков комедиясини саҳнага қўйиш олдидан роль тақсимлаш пайтида менга асар қаҳрамони Гулчеҳра роли топширилди, – деди Ҳалима.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Саҳнага чиққан артист ўзи ижро эта-*

ётган ролини охирига етказмагунча тиниб-тинчимайди. Газетадан. *Бош ролда чиқадиган атоқли артистка парда четини кўтариб, залга мўралади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Актёрнинг бутун пьеса, сценарий давомидаги нутқи. *Демак, у [Рустамжон] Шокир акага тақлид қилишдан қочиб, ролини ўзича талқин этган.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

3 *кўчма* Кимсанинг таъсир кўлами, бирор нарсада иштирок даражаси, тутган ўрни; мавқеи. *Тарихда шахснинг роли.* ▬ *Болаларимизни жамиятга, меҳнатга ҳар тарафлама соғлом, етук қилиб топширишда мактаб, шубҳасиз, етакчи роль ўйнайди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Мутахассисларнинг ташкилотчилик ролини бутун чоралар билан кучайтирмоғимиз керак.* Газетадан.

РОМ I [*ф.* رام – ювош, итоаткор, мўмин-қобил; қўлга ўргатилган]: **ром бўлмоқ** 1) мойил бўлмоқ, оғмоқ; 2) ўрганмоқ. *Буни [Ёдгорни] саркарданинг мирзахонасига олиб бор.. Сўнгра қайта бу ерга олиб кел. То ром бўлгунича, бизнинг уйда хизмат қилиб юради.* С. Айний, Дохунда; 3) бўйсунмоқ. *Агар қийинчиликдан қўрқилмаса-чи, инсонга ром бўлмаган нарса йўқ экан.* Ҳ. Назир, Васият. **Ром келмоқ** Кўнглига ёқмоқ, мос келмоқ. *Менга нима ром келишини ўзим ҳам билмайман.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ром қилмоқ (***ёки* **этмоқ)** 1) ўзига қаратмоқ, ўзига мойил қилмоқ, оғдирмоқ. *Садосиз, фақат сезиш мумкин бўлган бу куй аллақандай сеҳрли қудрат билан дилларни ром қиларди.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси; 2) ўзига, қўлга ўргатмоқ. *Мартен печининг ҳайбат билан ўт сочиб, вағиллаб ёниши ром қилинган ёлдор шерни эслатади.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар; 3) бўйсундирмоқ. *Сенинг режанг билан жўшқин сувларни Оқиздик ром қилиб ҳаёт боғига.* Ғайратий.

РОМ II [*а.* رمل – қумга қараб фол очиш] Бировнинг ўтмиши ва келажаги ҳақида гўё «олдиндан айтиб бериш»; фол. *Ром очмоқ. Ром кўрмоқ. Ромчининг ромидан ўзингнинг хом хаёлинг яхши.* Мақол. ▬ *Намозхон йилдан-йилга камайиб, мачит ўз-ўзидан ёпилиб қолгандан кейин махсум.. баъзан биттаяримтага ром очиш билан тириклар хизматини ҳам қилиб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

РОМ III *қ.* **рама 3**. *Икки кундан кейин араваларда тахта, эшик ва ром, тунука олиб келдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Чўтир хола] Челакда сув олиб чиқиб, дераза ромларини, стол-стулларни ювди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бино томи янги шифер билан қопланиб, пол, эшик, ромлар янгидан ўрнатилган.* Газетадан.

РОМ IV [*ингл.* rum] Шакарқамишнинг ачитилган шираси ёки қиёмидан ҳайдаш йўли билан тайёрланадиган кучли спиртли ичимлик.

РОМАН [*фр.* roman < romane – лотин тилида эмас, роман тилида ҳикоя қилиш] Ҳажми анча катта, хилма-хил қаҳрамонлар, сертармоқ сюжетга эга бўлган, одатда проза йўли билан ёзиладиган асар; адабий жанр тури. *Тарихий роман. Шеърий роман.* ▬ *Кичкинагина бир ҳикоя шунчалик азоб билан ёзилса, энг камида қирқ-эллик ҳикояга тенг келадиган роман қандоқ ёзилар экан?* У. Норматов, Талант тарбияси. *Романдаги аёллар образи ҳам алоҳида эътиборга молик.* С. Кароматов, Олтин қум. *Шарқ халқларида роман жанрининг туғилиши ва камолотида муайян муштараклик мавжуд.* Газетадан.

РОМАННАВИС [роман + *ф.* نویس – ёзувчи] *қ.* **романчи.**

РОМАННАВИСЛИК *қ.* **романчилик.** *Романнавислик ва драматургия соҳасида ҳам яхши натижалар кўзга ташланади.* Газетадан.

РОМАНС [*фр.* romance < roman – роман тилига оид] *мус.* Чолғу жўрлигида яккахон ашулачи ижросига мўлжалланган кичик мусиқий-шеърий лирик асар. *М. Бурҳонов романслари.* ▬ *Мен 1936–1938 йилларда Машраб сўзига «Токай мани бечорага бу дарду аламдур» романсимни ёзган эдим.* Газетадан.

РОМАНТИЗМ [*фр.* romantisme] **1** 18-асрнинг охири – 19-асрнинг биринчи чорагида Европа, шунингдек, Америка адабиёти ва санъатида пайдо бўлган, классицизм қонун-қоидаларига қарши чиқиб, миллий ва индивидуал ўзига хосликка, идеал қаҳрамонлар ва туйғуларни тасвирлашга интилиш билан ажралиб турувчи йўналиш, оқим.

2 Адабиёт ва санъатда: оптимизм руҳи билан суғорилган ва инсоннинг юксак бурчини ёрқин образларда тасвирлашга интилган йўналиш.

РОМА́НТИК I **1** Романтизм вакили, издоши (*қ.* **романтизм 1**).

2 Романтизм таъсирига берилган, романтизмга мойил одам.

РОМАНТИ́К II **1** Романтизмга оид, романтизм руҳи билан суғорилган, романтизм руҳидаги. *Романтик поэзия. Романтик мусиқа. Романтик асар.*

2 Хаёлпарастлик руҳида бўлган, романтика таъсирига берилган. *Романтик қаҳрамон. Романтик кайфият.*

РОМАНТИКА [«романтизм» с.дан] Кишида зўр кўтаринки руҳ уйғотадиган, уни улуғликка илҳомлантирувчи ғоя ва ҳистуйғулар билан тўлиб-тошган нарса; дунёни юксак эмоционал ҳис этишга ёрдам берувчи вазият, турмуш шароити. *Кураш романтикаси.* ▬ *Тарихнинг романтикаси йўқ дейсизми? Ўҳҳў! Ҳамма романтика тарихда. Учувчиларингиз ҳам, хирургларингиз ҳам буюк тарих машинасининг алоҳида ғилдиракчаларини айлантиради, холос.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ёшликдан менинг романтика, саргузаштларга мойиллигим бор эди.* «Ёшлик».

РОМАНЧИ Роман ёзувчи адиб.

РОМАНЧИЛИК 1 Одатда проза йўли билан ҳажми анча катта, мураккаб сюжетли асар ёзиш, яратиш. *Ўзбек романчилиги. Романчиликка ҳисса қўшмоқ.* ▬ *Ўзбек романчилиги тараққиётида ҳам Иброҳим Раҳимнинг муносиб улуши бор.* Газетадан.

2 Роман жанри. *Ойбек прозамиз соҳасида янги романчиликни яратган забардаст адибларимиздан биридир.*

РОМБ [*юн.* rhombos – пирилдоқ, доира; қийшиқ квадрат] **1** *мат.* Ҳамма томонлари тенг бўлган ясси параллелограмм.

2 *тар.* Собиқ Шўро армиясида 1943 йилгача (погон киритилгунга қадар) олий қўмондонлик таркиби петлицаларида шундай шаклдаги даража фарқлаш белгиси.

РОМБИК Ромб шаклидаги.

РОМСОЗЛИК Ром ясаш билан шуғулланувчи тармоқ. *Ромсозлик устахонаси.*

РОМЧИ Ром очувчи, ром кўрувчи; фолбин. *Ромчининг ромидан ўзингнинг хом хаёлинг яхши.* Мақол. ▬ *Тошбуви қўшни қишлоқдаги дами сувни қайтарадиган аллақандай ромчига ром очирди.* «Шарқ юлдузи».

РОНДО I [*итал.* rondo – айлана] *мус.* Асосий оҳанги бир неча марта такрорланадиган, унга иккинчи даражали оҳанглар қарама-қарши қўйиладиган мусиқий пьеса.

РОНДО II [*фр.* rondeau < rond – думалоқ, доиравий] **1** *ад.* Қофияларнинг мураккаб алмашинуви ва такрорланувчи қофияланмаган нақароти бўлган шеър шакли.

2 Юмалоқ шаклдаги ёзма ва босма ҳарф, шрифт.

3 Шундай шрифтни ёзиш учун мўлжалланган учи кесик перо.

РОСА [*ф.* رسا – етук, етарли, тўлиқ, бутун, мукаммал] *рвш. с. т.* **1** Бекаму кўст, тўлиқ, тўла. *Зарҳал кўринар сохта, Роса билиб, сўнг мақта.* Мақол. ▬ *Жангчилар кўзларини роса очмасдан, милтиқларига ёпишдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тугал, тўла, тўлиқ; тўппа-тўғри. *Олахўжабойнинг ҳовлисига қадам босмаганимга роса йигирма йил бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Дилбар:] Уйғотаймикан? Йўқ, пича ухлаб ором олсин, роса бир ой бўлдики, от устидан тушмайди.* К. Яшин, Пьесалар.

3 Ниҳоят даражада, ниҳоятда, жуда. *Роса чарчадим.*

4 Тўйгунча, мириқиб. *Роса ўйнадик.* ▬ *Мавлон мингбоши.. тасодифан лойга сирғаниб йиқилди. Кишилар роса кулишди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

РОСАЛАМОҚ *с.т.* Расоламоқ, бутламоқ.

РОСАЛИК *с.т.* Расолик, бутлик.

РОСЛАМОҚ *с.т. қ.* **ростламоқ**.

РОСМАНА *с.т. қ.* **расмона**. *Умид Робертнинг даҳанига бир мушт туширди. Бир зарбадаёқ давангирдек йигит полга росмана ағдарилди.* Мирмуҳсин, Умид. *Судралиб юрувчи росмана илонлар чақаман, деб ният қилмайди, икки оёқли илонлар эса пайт пойлайди.* Т. Малик, Шайтанат. *Сайфини энди росмана қўрқув ўз тўрларига ўрай бошлади.* Т. Малик, Шайтанат.

РОСТ I [*ф.* راست – ҳаққоний, ишончли, тўғри, тўппа-тўғри; ҳақиқат] **1** *сфт.* Тўғри, адил, тик. *Бу кун сиз айтган ўшал Офарин эмас, устоз, Мусибат остида рост қомати дуто кўринур.* С. Абдулла. *Тўла, қаддини рост тутган ҳолда, калласини хиёл эгиб, эркакча таъзим қилди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

2 *сфт.* Ҳақиқатдан иборат бўлган, ҳақиқатга асосланган; тўғри, чин. *Рост гап. Рост сўз – ҳаққа қарор.* Мақол. *Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон бўлур.* Мақол. ▬ *-Бояги семиз одам айтган гаплар рост экан, – деди ичида [Шарофат].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор

чироқлари. *Рост айтяпман, буни мен бир неча бор синаб кўрганман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

3 *от* Ҳақиқат, ҳақ. *Ростга завол йўқ.* Мақол. ▬ *Маҳкам биргина шу Акбаров ва Тошев масаласидаги ҳақни ноҳақдан, ростни ёлғондан ажратиб, тўғри баҳолаш учун қанча куч, вақт, қунт, ирода кераклигини энди аниқ кўз олдига келтирди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ёдгор шундоқ бўлишини билгандирки, ростини айтгандир.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 *крш. с. взф.* Тўғри. *[Саодат:] Вой, нима деб алжирайсан? Авжи ўйнаб-куладиган чоғинг-ку. Рост, баъзи вақтда дунёдан чиқиб кетгинг келади. Дунё қурсин, ғам кўп.* Ойбек, Танланган асарлар.

Гапнинг рости Гапнинг очиғи, тўғриси. *Гапнинг рости, бугун лекция қулоғимга кирмаяпти.* **Рост келмоқ** Тўғри келмоқ, мос келмоқ; ёқиб тушмоқ. *Бу гапинг менга рост келди.* **Рост кўтармоқ** Бемалол, азот кўтармоқ. *Юкни рост кўтармоқ.* **Рост кўча қолиб, паст кўча билан** Алдам-қалдамлик билан, чап бериб. *Нега ўзингизни гўлликка соласиз? Ҳамма эрталаб далага шошилса, сиз.. рост кўча қолиб, паст кўча билан бозорга чопасиз.* «Муштум».

РОСТ II [*ф.* راست – алоҳида куй номи] (*Р – катта*) Шашмақом тизимидаги бешинчи мақом номи (*қ.* **шашмақом**).

РОСТАКАМ *с. т.* **1** *сфт.* Ҳақиқий, чин. *Бу ўйинчоқ ростакам самолётга ўхшайди.* ▬ *-Қаранг, худди ростакам дурга ўхшайди, – деган эди уни олиб келганда Мунисхон.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 *рвш.* Ҳақиқатан, чиндан ҳам, жиддий. *Боланинг ростакам жаҳли чиқди.* ▬ *Турсуной аввал ишонмагандай кўзларини катта очиб қаради-ю, кейин Ефим тоғанинг ростакам ичкари бошлаётганини кўриб ишонди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

РОСТАКАМИГА *айн.* **ростакам 2.** *Тўртинчи куни кечга яқинлаб қолгандагина ёмғир ростакамига тинди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус. *Қаҳатчилик ростакамига ўрнашиб олганди.* Н. Сафаров, Наврўз.

РОСТГЎЙ [*ф.* راستگوی – рост, тўғри гапирувчи] Ростини, ҳақиқатни гапирадиган; тўғрисўз. *Ростгўй бола.* ▬ *Ҳукумат арбоблари соғлом, ростгўй, сўзга уста, иродали бўлишлари керак.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *-Йўқ, Бойхонов, сиз қип-қизил ростгўйсиз, – деб олдига милиция ҳужжатларини ташладим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РОСТГЎЙЛИК Ростини, ҳақиқатни гапириш, тўғрисўзлик. *Наҳот у кун ростгўйликнинг қудратли қўли Номард ўлим чилвирида чулғаниб қолди.* А. Шер, Қадимги куй. *Камтарлик инсон ўзлигини билиши, ўзгаларни ҳурмат қилиши, самимийлик, тўғрилик ва ростгўйлик каби нодир фазилатларни ўзида мужассам этади.* Газетадан.

РОСТДАН 1 *рвш.* Ҳақиқатан, чиндан ҳам. *-Рафиқ, найни ким чалди? -Йўлчи акам. -А! Ростданми! Алдама!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *крш. с. взф.* Ҳа, айтгандай. *-Ҳа, ростдан ҳам, қизлар, фронтда ҳеч кимингиз борми? – деди комиссар.* Ойдин, Асл ёр. *Ростдан ҳам, товуқ тимдалагандай ёзарканман [деди Саид].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

РОСТЛАГИЧ *тех.* Механизм, машина ва ш.к. лар иш режимини автоматик тарзда тартибга солиб турадиган мослама.

РОСТЛАМОҚ 1 Тўғриламоқ, тикламоқ. *Беш-ўн йигит шохариқ, ўқариқларни ростлаб, тут тагига чиқишди.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

2 *кўчма* Ишини, хўжалигини ўнгламоқ, тиклаб олмоқ. *У институтни битиргач, ўзини анча ростлаб олди.*

3 Тартибга солмоқ, тузатмоқ. *Қилич ботир шошилмасдан ўзини ростлаб олиб, уйга кирса, Оқбилак ойим ухлаб ётипти.* «Эртаклар».

Нафасини ростламоқ 1) дам олиб, нафасни жойига келтирмоқ. *Саломат нафасини ростлаб, яна йўл юрди.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) ўзини ўнглаб олмоқ. *Полк командири, душман нафасини ростлаб олмасдан туриб, қарши ҳужумга ўтиш тўғрисида буйруқ берди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Қаддини (***ёки* **белини) ростламоқ** 1) қаддини кўтармоқ, тикламоқ; ғоз турмоқ. *Биров эшитиб қолишидан чўчигандай, секингина уф тортди-ю, қаддини ростлаб ўтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шерзод қаддини ростлади-ю, ичкарига кириб келаётган мудирни кўрди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Санобар аҳён-аҳёнда қаддини тиклаб, белини ростлаб оларди-да, яна жадал теришга тушиб кетарди.* М. Хайруллаев, Кўнгил; 2) ўзини, хўжалигини тикламоқ, оёққа тур-

ғизмоқ. *Тошкентимизнинг қайта тикланиб, қаддини ростлашида халқлар дўстлиги.. нималарга қодир эканини ҳам бутун олам кўрди.* Р. Файзий, Таъзим; 3) барпо бўлмоқ, қурилмоқ. *Бинокор қадами етган жой тез обод бўлади, улкан завод-фабрикалар қаддини ростлайди, ишлаб турган корхоналарнинг қудрати ортади.* Газетадан.

4 *с. т.* Адабини бермоқ, бопламоқ. *Шошмай тур, сени бир ростлайки, дунёга келганингга юз пушаймон қил.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

5 *тех.* Қурилма, механизм ва ш. к. ни тўғри ишлайдиган ҳолга келтирмоқ, созламоқ. *Тормозларни ростламоқ.*

Жуфтакни ростламоқ *қ.* **жуфтак.** *Кишилар етиб келганларида, жиноятчилар аллақачон жуфтакни ростлаб бўлишган, ҳовлида эса жабрланувчи Шарофат опа дағ-дағ титраб турарди.* «Муштум». *[Ортиқ:] -Ҳушёр бўлиб ётасан, бугун кечаси жуфтакни ростлаймиз.* М. Мансуров, Ёмби. **Оғиз ростламоқ** 1) *айн.* **оғиз жуфтламоқ** *қ.* **жуфтламоқ**; 2) оғзига олиб бормоқ, тўғриламоқ. *Ҳайдар ота шуни [чилимни] сўрай, деб энди оғиз ростлаган эди, кампирга кўзи тушиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

РОСТЛИК Тўғрилик, чинлик. *Гапнинг ростлиги. Мастлик — ростлик.* Мақол. ▬ *Ростликнинг китобин ортиб борамиз, Пастликнинг ниқобин йиртиб борамиз.* «Муштум».

РОСТЧИ *с. т.* Рост гапирадиган; ростгўй. *Биз ёлғончи-ю, сен ростчи бўлдингми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

РОТА [*пол.* rota < *нем.* Rotte — оломон; жангчилар гуруҳи] *ҳарб.* Одатда бир неча взводдан ташкил топган, батальон таркибига кирадиган ҳарбий бўлинма, қисм. *Пулемётчилар ротаси.* ▬ *Қулбоев кейинчалик ҳамюрти Ўроқов ротасига взвод командири қилиб тайинланди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Гвардиячи капитан, қўлларини орқасига қилганича, ротага яқинлашди.* О. Ёқубов, Излайман. *Рота командири батальон командирига бўйсунади ва рота бутун шахсий таркибининг тўғридан-тўғри бошлиғи саналади.* Газетадан.

РОТАПРИНТ [*лот.* roto — айлантираман + *ингл.* print — чоп қилмоқ, босмоқ] *плгрф.* Офсет босма усулида ишлайдиган, хизмат ва ахборот ҳужжатларини кам тиражда чоп қиладиган ихчам босма машина ва шундай чоп қилиш усули.

РОТАТОР [*лот.* rotator — айлантиргич] **1** *плгрф.* Қўлёзма, чизма, расм ва ш. к. лардан нусха кўпайтирадиган, айланма валли аппарат. *Ротатордан чиқармоқ. Ротаторда босмоқ.*

2 Бирор марказ ёки ўқ атрофида бир меъёрда айланадиган жисм.

РОТАЦИОН: ротацион машина *плгрф.* Газета, китоб кабиларни кўп нусхада босадиган айланма машина.

РОТМИСТР [*пол.* rotmistrs < *нем.* Rittmeister < Ritt — отлиқ аскарлар отряди + Meister — бошлиқ] *тар.* Чор армияси ва жандармериясида: отлиқ аскар офицерларига берилган унвон (пиёда қўшинлардаги капитан) ва шу унвонга эга бўлган шахс.

РОТОР [*лот.* rotare — айлантирмоқ] Турбина, электр двигатель ва ш. к. нинг қўзғалмас қисми ичидаги айланадиган қисм. *Ротор деган оғир бир нарса қудуқ оғзини бекитиб тураркан.* П. Қодиров, Уч илдиз.

РОШ [*ф.* راش — янчилган дон уюми, тўплами] *шв.* Ариқ тозалаш ёки қазиш вақтида унинг ичидан олиб, икки четига ташланган тупроқ, лойқа; пайкалларни бир-биридан ажратувчи марза. *Ерга — рош, қизга қош.* Мақол. ▬ *Мана шу чорвоқ, йўнғичқа иси, оёғимиз остида кўпчиб ётган мана бу рош ҳам — ҳамма-ҳаммаси қишлоқни ёдимга соляпти.* Н. Қиличев, Ёронгул. *Одамлар пайкал четидаги рошларга қатор чизилди.* «Ёшлик». *Фазлиддин арна рошида отдан тушиб, ён-верига қаради.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

РОЯЛИЗМ [*фр.* royalisme] Қирол ҳокимиятига тарафдорлик, қирол ҳокимиятини ёқлаш; монархизм.

РОЯЛИСТ [*фр.* royalist < roy — қирол] Роялизм тарафдори; монархист.

РОЯЛЬ [*фр.* royal — қиролга оид, тегишли] Торлари, қопқоғи ва механизми горизонтал жойлашган, клавишли мусиқа асбоби. *Рояль чалмоқ.* ▬ *Одатим бўйича тўғри клубга кириб борсам.. Лата рояль чалиб, менинг қўшиғимни куйлаб ўтирибди, — деди Рустамжон.* Қ. Мақсумов, Муҳаббат қўшиғи.

РОҒ [*ф.* راغ — кўм-кўк тоғ ёнбағри; кўкаламзор майдон] *қ.* **боғ-роғ.**

РОҒИБ [*а.* راغب — рағбат қилувчи] Хоҳиш, майл билдирувчи, мойил. *Калоншоҳ*

ноилож ариза ёзишга роғиб бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РОҲ [*а.* راه / ره – йўл, кўча] *кт. кам қўлл. айн.* **йўл.** *Соғинчлар шамолдай оқади Юракка кўринмас роҳлардан.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Хатарли, қалтис роҳда титрар икки биродар.* «Шарқ юлдузи». *Гар ғубори хоки роҳин айласа бежо насим, Сабру бетоқатлиғи табъи паришонимдадир.* Нодира.

РОҲАТ I [*а.* راحت – тинчлик, хотиржамлик, ором] **1** Эстетик завқ ёки ором берадиган нарсалардан олинадиган лаззат, ҳузур, гашт. *Севгисин айтмаслик – қизлар одати, Нозу карашмаси – йигит роҳати.* М. Алавия. *Кундузлари иссиқдан беҳол бўлган одамлар кечадан роҳат кутадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Роҳат олмоқ (*ёки* **топмоқ, қилмоқ**) Лаззатланмоқ, ҳузур қилмоқ. *Куч, роҳат олар эдим, Ипак сочларинг силаб.* Ғайратий. *Аваз ҳар вақт Собир акалар сингари ҳунарманд меҳнаткашлар гурунгидан роҳат топади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ўтирганлар ажойиб овоз билан айтилган лирик ашулани роҳат қилиб тинглайдилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Ҳузур-ҳаловат, фароғат, тинч ва фаровон ҳаёт. *Роҳатда яшамоқ. Меҳнат, меҳнатнинг таги – роҳат.* Мақол. *Меҳнатсиз роҳат йўқ.* Мақол. ▬ *Энди сенлар омон бўлинглар. Дунёнинг роҳатини сенлар кўринглар.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. *[Пулдорларнинг] Қорнилари тўқ. Бола-чақалари роҳатда, уйларида қази-қарта қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Роҳат (хотин-қизлар исми).

РОҲАТ II Рост мақомининг Ушшоқ шуъбаси асосида яратилган ўзбек халқ куйи.

РОҲАТБАДАН [*а.+ ф.* راحتبدن – баданнинг, таннинг роҳати] **1** *от* Одатда олма гулли, кўйлакбоп ҳарир газлама. *Роҳатбадан кўйлак.* ▬ *-Поплин дейсизми.. чидаганга чиқарган дейсизми, роҳатбадан дейсизми.. кеп қолинг, харидор! – деб [Ҳуснибий] бозорни бошига кўтариб, бақириб юрар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *сфт.* Баданга роҳат бағишлайдиган. *Пирпираб роҳатбадан шаббода қирғоқлаб эсиб, Шарқираб ўйнаб тўлиб, тўлқин уриб кулгу келур.* Ҳабибий.

РОҲАТБАХШ [*а. + ф.* راحتبخش – роҳат, ҳузур бағишловчи] Роҳат бағишлайдиган, киши ҳузур қиладиган; оромбахш. *Роҳатбахш жой. Роҳатбахш куй. Роҳатбахш ичимлик.* ▬ *Жабборов шу роҳатбахш кайфият билан уйига борди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти. *Ташқарида ҳавонинг тафти баланд, аммо купе муздек салқин, роҳатбахш.* Газетадан.

РОҲАТИЖОН [*а.+ ф.* راحتجان – жоннинг роҳати] **1** *от* Шиннига муз қириб солиб тайёрланадиган морожнийсимон овқат. *Роҳатижон халқ табобатида дизентерия касаллигига қарши дори сифатида ҳам қўлланган.* Газетадан.

2 *сфт.* Жонга роҳат бахш этадиган, жонга роҳат бағишлайдиган. *У [Нигора] ипакдай майин, шишадек тиниқ, роҳатижон илиқ булоқ сувини қучоқлар, оппоқ тўшига босиб яйрар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ғулом аканинг кабинети узун коридордан иборат эди. ..Шу оддийгина хона бош инженер ёрдамчиси учун роҳатижон макон эди: ҳам иссиқ, ҳам озода.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

РОҲАТЛАНМОҚ Роҳат қилмоқ, ҳузур, гашт қилмоқ. *Мусиқадан роҳатланмоқ. Роҳатланиб дам олмоқ.* ▬ *Ўзгалар оғирини енгил қилишдан роҳатланади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Холида терлаб, товонлари қорайиб кетган оёқларини сувга тиқиб шалоплатди – жони роҳатланди.* «Ёшлик». *Азиза, курсдош қизларнинг ғаши келаётганини сезган сайин, ўзини ғолиб ҳисоблаб, роҳатланарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

РОҲАТЛИ Кишига роҳат берадиган; оромли. *Донг таратган зарбдор Аллақачонлар Кечирмакда меҳнат-ла Роҳатли онлар.* Ғайратий.

РОҲАТСИЗЛИК Кишига ҳузур, ором бермайдиган ҳолат, оромсизлик. *..бу изғириқ кишига унча роҳатсизлик бермаса-да, лекин қаердадир доғ қилинмоқда бўлган зиғир мойининг аччиқ исини димоққа келтириб уришидан кишида бир беҳузурлик ҳосил бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РОҲАТ-ФАРОҒАТ Тинч ва фаровон ҳаёт, ҳузур-ҳаловат. *Рўпарангиздаги катта дарвозали ҳовлида Шоназар табиб бола-чақалари билан роҳат-фароғатда яшайдилар.* Газетадан. *Султон Ҳасанбек ва Мирзабек Ҳиротда роҳат-фароғатда умр кечириб, ўз ажаллари билан ўлдилар.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

РОҲИБ [*а.* راهب – монах] Христиан динидаги ва умуман монах, зоҳид. *Бизнинг*

эрамиздан икки аср бурун будда роҳиблари қояларни ўйиб, ибодатхона ва монастирлар қурганлар. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

РОҲИБА [*а.* راهبه – монах аёл] Роҳиб аёл.

РОҲИЛА I [*а.* راحله – миниладиган туя] **1** От-улов, юк ҳайвони.

РОҲИЛА II [*а.* راحله] Йўл озуқаси. *Манзил узоқ, роҳила оз.. бу ҳолим билан.. акамнинг мойжувозига ҳам ярамайман.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Роҳила (хотин-қизлар исми).

РОҲ-РОСТ, роҳи рост [*ф.* راه راست – тўғри йўл] *кт.* Тўғри йўл; ҳақиқат, тариқат йўли; мусулмончилик. *Гапинг ҳақ, сени роҳ-ростдан оздирган бу китобларни отанг бизга топширди.* К. Яшин, Ҳамза. [*Махзум*] *Қавмларига бир қараб.. гап бошлади: -Мачитингизга келиб, оз муддат хизмат қилиб, жуда кўп тузингизни ичдим, диний йўлда сизларни роҳ-ростга бошладим.* Ғайратий, Довдираш. *Бунинг учун шахсан мен, уни роҳи ростга сабр-тоқат билан даъват этмоқ керак, деб ўйлайман.* К. Яшин, Танланган асарлар.

РУБИДИЙ [*лот.* rubidis – қизил, тўқ қизил] Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; жуда юмшоқ кумушсимон-оқ ишқорий металл.

РУБИЛЬНИК [*р.* рубить – «кесмоқ» фл. дан ясалган от] *тех.* Электр токини узиб-улаб турадиган дастаки очқич. *Пўртананинг тўхташи ҳам, худди рубильникдан ўчиргандек, бирданига рўй берди.* «Фан ва турмуш». *Ҳайдар деворга қоқиб қулфлаб қўйилган яшикни очиб, рубильникни босди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

РУБЛЬ [*қад р.* рубль – ғўла, кунда; тиқин; пул бирлиги] Россия Федерациясининг асосий пул бирлиги.

РУБОБ [*ф.* رباب – камонча билан чалинадиган мусиқа асбоби] Медиатор билан чертиб чалинадиган беш торли мусиқа асбоби. *Қашқарча рубоб. Рубоб тароналари. Рубоб чалмоқ.* ▬ *-Сўйла, рубоб, ким экан Юрагимни тортгувчи. Севги, армон, ҳасратни Бошларимга ортгувчи?* Ғайратий.

РУБОБЧИ Рубоб чалувчи созанда.

РУБОИЁТ [*а.* رباعيّات – рубоийлар, тўртликлар] Бирор шоирнинг рубоийлари мажмуи. *Умар Хайём рубоиёти. Алишер Навоий рубоиёти.*

РУБОИЙ [*а.* رباعى – тўртлик] *ад.* Тўрт мисрадан иборат, тугал маъно ифодаловчи, биринчи, иккинчи, тўртинчи мисралари ёки тўртала мисраси ҳам қофиядош бўлган мустақил шеър; Шарқ халқлари шеъриятида кенг тарқалган поэтик жанр. *Навоий рубоийлари.*

РУБОИЙНАВИС [*а.+ ф.* رباعی‌نویس – рубоий ёзувчи] Рубоий ёзувчи шоир. *У [Шайх Рўзбеҳон] форс-тожик адабиёти тарихида рубоийнавис сифатида ўзига хос мақоми ва ўрнига эга.* Газетадан.

РУБРИКА [*лот.* rubrica – қизил ранг, бўёқ; қонуннинг қизил рангли сарлавҳаси < ruber – қизил] Газета, журнал ва ш. к. да бирор бўлим (рукн)нинг сарлавҳаси; боб. *“Редакциянинг иш кунлари” рубрикаси остида берилган материаллар 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган.* Газетадан.

РУБЪ [*а.* ربع – тўртдан бир, чорак]**: рубъи маскун** [*а.* ربع‌مسکون – аҳоли яшайдиган чорак ер] *эск. кт.* Қадимги юнон олимлари, кейинчалик Шарқ географлари тасаввурича, Ер шарининг одам яшайдиган, обод ва маъмур чорак қисми (қолган учта чорак қисм эса сув деб тахмин қилинган). *Рубъи маскунда Ҳиротдек шаҳри азим йўқ.* Ойбек, Навоий.

РУДА [*қад. р.* руда – қон; қизил доғ, < рдеть – «қизармоқ» фл. дан] Таркибида металл ва унинг бирикмалари бўлган табиий минерал хомашё. *Темир рудалари.* ▬ *Бир грамм соф радий олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади.* «Фан ва турмуш». *Бизнинг профессоримиз олтин рудасини сунъий таркиб қилиш мумкинлигини назарий жиҳатдан исбот этган.* А. Мухтор, Асарлар.

РУДАЛИ Таркибида руда бўлган. *Рудали қатлам.* ▬ *Сўнгги йилларда Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олтин рудали конлар аниқланди.* Газетадан.

РУЖУ(Ъ) [*а.* رجوع – қайтиш, қайтариш; қайрилиб қараш, мурожаат қилиш; *3-ш. бирл.* **ружуи**] Бирор нарсага бўлган ортиқча майл, берилиш. *..ташмачилик – меҳнатсиз даромаднинг оқибати бехайр бир тури. Унга ружу қилган кишининг обрўси тутдек тўкилади.* «Муштум». *Тўрдаги ёши улуғлар фотиҳадан сўнг таомларга қарашди. Одоб билан уларни кузатиб ўтирган ёшлар қимизга ружу қилиб, овқатга қўл узатишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

РУКН I [*а.* ركن – асос, устун, таянч; бурчак, бўлим (журнал ёки радиоэшиттиришда)] *эск.* **1** Устун, колонна.

2 *кўчма* Асос, таянч. *Юсуфбек ҳожи юқорида ўтган гапларни қуруқ ва асоссиз сўзламаган, балки шу турмушнинг рукн ва асосини бир даража айтиб ўтган, Отабек эса буни шу муҳитнинг бир ўғли бўлиб эшитган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..тасаввуфнинг саховат, шижоат, садоқат, мурувват, ҳиммат, мардлик, инсоф, ҳаё рукнларини ўзида мужассам этган Алишер Навоийнинг ўзи ҳам том маънодаги комил инсон эди.* «ЎТА».

3 *ад.* Арузда қисқа ва чўзиқ, ўта чўзиқ бўғинларнинг мисраларда муайян тартибда гуруҳланиб такрорланиши.

4 Газета, журналлардаги мазмунан яқин туркум мақолаларнинг сарлавҳаси. *«Савдогар» газетаси ўз саҳифаларини бундан-да бойитишни, турли-туман янги рукнлар остида материаллар бериб боришни ўз йиллик режасига киритди.* Газетадан. *«Қилмиш-қидирмиш», «Турмуш чорраҳаларида» рукнлари остида берилаётган мақолаларни ўқиган ҳар бир инсон яхшиликка, эзгуликка интилади.* Газетадан.

РУКН II Исломда энг муҳим, ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз саналган бешта вазифанинг ҳар бири: калимаи шаҳодат, намоз, закот, рўза ва ҳаж ибодати.

РУКУ(Ъ) [*а.* ركوع – тиз чўкиш, тиз чўкиб сажда қилиш] (*3-ш. бирл.* – **рукуи**) *дин.* Намозда бошни эгиш, икки букилиш. *Руку қилмоқ. Рукуга кетмоқ.* ▬ *Отабек эса ҳануз рукуъда, сужудда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қози домла худди шу турткини кутиб тургандай, рукуни ўртада қолдириб, саждага бош қўйиб юбора қолди.* «Шарқ юлдузи».

Рукуга кетмоқ (*ёки* **бормоқ)** 1) *дин.* руку амалини бажармоқ, тиз букмоқ. *Қавмлар ҳам намоз қоидасига мувофиқ, рукуга кетдилар. Рукудан сўнг аввал тиз чўкиб, кейин саждага бош қўйганларида, мингбоши кечикиб кириб келди.* «Муштум». *Холмат ака, рукуъга кетган кишидай, қўл қовуштириб, ерга қараб ўтирди, аммо қулоғи Исомиддиновда эди.* Ҳ. Шамс, Душман; 2) узоқ ўйга толмоқ, жим қолмоқ. *Амир Темур рукуга кетди, узоқ жим қолди ва ниҳоят ҳаммага қараб деди: -Мен тангри қули Темурман.* Т. Тўла, Асарлар.

РУЛЕТ [*фр.* roulette – ғилдиракча, ролик < rouler – ғилдиратмоқ, думалатмоқ; ўрамоқ, ўраб йиғиштириб қўймоқ] *кул.* **1** Хамир ва ширинликни навбатма-навбат бир неча қават қилиб пиширилган ўрама пирог. *Кесилган рулетни дастурхонга тортишди.*

2 Тилимлаб майдаланган гўшт ва мол ёки қўй қорнини устма-уст қўйиб ўраб, йўғон қази шаклида пиширилган яхна овқат.

РУЛЕТКА [«рулет» с. дан] *тех.* Пўлат, мато ва ш.к. дан ўраладиган тасма шаклида ясалиб, махсус шкала ёзилган узунлик ўлчаш асбоби. *Уйнинг бўйини рулетка билан ўлчамоқ.*

РУЛОН [*фр.* rouleau – ўралган нарса; ўрам найча] Найча шаклида думалоқлаб ўралган қоғоз, мато ва б. материаллар; шундай шаклдаги ўрама. *Рулон қоғоз. Рулон газлама.*

РУЛЧИ *с. т.* Рулни бошқарувчи киши; ҳайдовчи.

РУЛЬ [*голл.* roer – ғилдирак] Кема, автомобиль, самолёт ва ш. к. ларнинг ҳаракат йўналишини бошқариш механизми. *Трактор рули. Руль чамбараги.* ▬ *Жўрабой бир оз ўйлаб туриб, велосипеднинг рулини ушлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *-Қани, меҳмон, марҳамат, – деди машина эшигини очиб, рулда ўтирган йигит.* С. Анорбоев, Оқсой.

РУМИН *қ.* **руминлар.** *Румин халқи. Румин тили. Румин аёл.*

РУМИНЛАР Руминиянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

РУНЛАР, руник ёзув [*фин.* run – махфий нарса, сир] Скандинавия халқларининг ва б. айрим халқларнинг тош, металл буюмлар ва ш. к. да сақланиб қолган қадимги ёзувлари (баъзи ҳарфларнинг ўхшашлигига қараб, қадимги туркий ёзув ҳам «руник ёзув» деб юритилади). *Руник хат. Руник ёзувлар.*

РУПИЯ [*санск.* روپيه – кумуш] Ҳиндистон, Покистон, Цейлон, Индонезия, Непал ва б. бир қанча мамлакатларда пул бирлиги.

РУПОР [*голл.* roeper – бақирмоқ] Овозни, товуш тўлқинларини муайян йўналишда кучайтириб берадиган, конус шаклидаги карнай.

РУПОҲ [*ф.* روپاک – сочиқ, рўмолча] Ипак газламанинг бир тури. *Сариқ рупоҳ атлас кўйлакнинг устидан унинг* [*қизнинг*] *ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУС *қ.* **руслар.** *Рус халқи. Рус тили.* ▬ *Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.* Газетадан. *Мунчоқ кўзли новча киши пахта сотиб оладиган рус савдогарлари ширкатида хизматчи экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РУСИЙЗАБОНЛАР [рус + *ф.* زبان – тил] Рус тилида сўзлашувчилар. *Лекин энг ёмони, бу мактабга унча-мунча одамнинг боласи қабул қилинавермас, ўқувчиларнинг аксарият қисми ё русийзабонларга мансуб ёки казоларнинг фарзандлари эди.* Газетадан. *Айниқса, Ҳ. Низомиддинов қаламига мансуб «Зумраша», русийзабонлар учун З. Диёровнинг «Ур, тўқмоқ» асарларининг саҳналаштирилиши алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди.* Газетадан.

РУСЛАР Россия Федерациясининг асосий аҳолисини ташкил этган, шарқий славянларга мансуб халқ (улар, шунингдек, аксар МДҲ мамлакатларида, дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам яшайди).

РУСЛАШТИРИШ Рус тили ва рус урф-одатларини сингдириш, унга бўйсундириш. *Бу эса мустамлакачиларнинг руслаштириш сиёсатига жиддий ғов бўлиб, унга қарши биринчи даражали ишлардан эди.* «Фан ва турмуш». *Мусулмонлар маорифининг асосида уларни руслаштириш.. ётмоғи лозим, деган XIX аср «рус зиёлилари».* Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

РУСТА [*ф.* رسته – ҳолванинг бир тури] Ичига ўрик ёки бодом мағзи солиб тайёрланган парварда. *Нусратбекнинг диққатини тақсимчада мантидек териб қўйилган руста ҳолваси тортди.* С. Нуров, Нарвон.

РУСТАМ [*ф.* رستم] **1** «Рустам» эпик халқ достонининг ҳамда Фирдавсий «Шоҳнома» асарининг анъанавий, афсонавий қаҳрамони номи.

2 *кўчма* Рустам сингари баҳодир, паҳлавон. *Унинг узоқ юртида, қуёш ва гуллар диёри Ўзбекистонда қолган дуогўй кампир онаси уни – ёлғиз ўғлини эркалар экан, ҳар вақт: "Рустам тойим! Арслон тойим!" деб атамасмиди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Рустам (эркаклар исми).

РУСТАМДАЙ, =дек Паҳлавон каби, баҳодирлардек. *Рустамдай йигит. Рустамдай курашмоқ.*

РУСТАМНАМО [*ф.* رستمنما – доно, бадавлат, забардаст] Паҳлавонларга ўхшаш, паҳлавонларга хос. *Тошкентнинг Чуқур қишлоқ деган ерида қозоқлар томонидан очилган ва ҳамиша рустамнамо кишилар билан айқириб ётган бўзахоналар ҳам йўқ эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУСТАМОНА [*ф.* رستمانه] *рвш.* Паҳлавонларга хос бир равишда; баҳодирона. *-Баракалла ғайратларингизга! – деди Азизбек, [қўрғонбегига қараб] – Бугун қипчоқларга рустамона жавоб бериб, ўзларини ҳам итдек қиргансиз! Бунчалик ғайрат кўрсатган фуқароларга раҳмат, дунё тургунча турсинлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сизлар учун бу – йигитлик, мардоналик, рустамона қаҳрамонлик.* Ойбек, Навоий.

РУСТАМЧА *айн.* **рустамона.** *Урушда ғайрати рустамча борди, Юз қайтармай ул урушда туради. Кўп лашкарни ўзи ёлғиз қиради.* «Фольклор».

РУСТАХЕЗ [*ф.* رستخيز – қиёмат куни, ўликларнинг тирилиши; тўс-тўполон, тартибсизлик] Ғавғо, тўполон, қўзғолон, қиёмат. *Бехос, қўшин ичра солиб рустахез, От сурди жаҳонгир, қалбимда ларза.* Ж. Жабборов, Қуёш юрти.

РУСУМ [*а.* رسوم – «расм» с. нинг кўпл.] **1** Расм ва одатлар, расм-русумлар; қоида-низомлар. *Мўғуллар шаҳарни жанг русумига мувофиқ қамал қилишга киришди.* М. Осим, Ўтрор.

2 Мол, товарнинг нави, хили, маркаси.

РУСУМЛИ Русумга эга бўлган, русумга асосланган, маълум маркадаги. *Ташкилот кенг турдаги «Газ» русумли автомобилларни таклиф этади.* Газетадан. *«Нексия», «Дамас» русумли енгил машиналар – булар бари Нурилла бобога тегишли.* Газетадан.

РУСУМОТ [*а.* رسومات – расм-одатлар; белгилар] *эск. кт.* Русум; русумлар. *Русумоти жанг.* ▬ *Кенг, баланд, серҳашам ипак чодирда [Ҳусайн Бойқаро] беклари билан «Русумоти жанг» ҳақида сўзлашди.* Ойбек, Навоий.

РУСЧА 1 Русларга, рус халқи, тили ва маданиятига оид, рус халқига хос бўлган. *Русча рақс. Русча кийим.*

2 Рус тили. *Русча(ни) биласизми? Русча гапирмоқ.* ▬ *Сабогул, одатича, сўзларни бузиброқ русча гапирарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

РУСЧАЛАМОҚ *с. т.* Рус тилида гапирмоқ. [*Полиция*] *Одамларга ўтириш учун қўполгина ишорат қилди. Кейин тўхтовсиз*

сўкиб, жаҳл билан Йўлчига русчалаб бир нима деди. Ойбек, Танланган асарлар.

РУТА [*лот.* ruta] Тошбақатоллар оиласига мансуб кўп йиллик доривор ўт ёки чала бута ўсимлик.

РУТБА [*а.* رتبه – даража, унвон, обрў; лавозим; яхши хислат] *эск.* Унвон, даража, мартаба. *Ҳусайн Муродбек юксак рутбани эгаллаб турса-да, бир қадар инсофли, раиятга кўпда зуғум қилавермасди.* С. Сиёев, Аваз. *Ўлтиришда ҳар ким ўз рутбасига муносиб ўринни ишғол этди.* Ойбек, Навоий. *Барча талабалик рутбасига эришганлар қатори мен ҳам бу даврнинг шоду шодон лаҳзаларини асло унутолмайман.* Газетадан.

РУТЕНИЙ [*лот.* Ruthenia – Русь, Россия давлатининг номи] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; платина металлари гуруҳидаги металл.

РУТУБАТ [*а.* رطوبت – намлик, захлик] Бирор нарсадаги намлик, захлик. *Ҳавонинг рутубати.* ▬ *Ҳафталаб ёққан ёмғир борлиқни намиқтириб, рутубатга чулғади.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Дарахтлар куртак отиб, анча бўртиб қолган бўлса-да, ҳаво рутубатга чулғанган.* С. Кароматов, Олтин қум. *Шаббода овулга оралаб ўтди, Сўнгги рутубатни боғлардан қувиб.* А. Мухтор.

2 *кўчма* Ғам, мусибат. *Рутубатдан юз берган дунё, Дунё янги дунёни чорлар.* У. Қўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё. *Дегилки, борини айтмоқдин ожиз, Рутубат тушмагай бахтига ҳаргиз.* Т. Тўла, Асарлар.

РУТУБАТЛИ 1 Рутубати бўлган; нам, зах. *Кузнинг рутубатли оқшоми эди, Боғлар сокингина чекар эди оҳ. Руҳимда бир хазон айёми эди, Ажиб гўзалликка дуч келдим ногоҳ.* А. Орипов, Онажон. *Қош қорайган эди. Далалардан рутубатли совуқ шамол эсиб турибди.* А. Мухтор, Чинор. *Тунги рутубатли ҳаво баданни жунжиктиради.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

2 *кўчма* Ғам-ғуссали, киши эркини бўғадиган; ифлос, чиркин. *Шунда рутубатли бадбўй бу шаҳар Кўзимга чарақлаб Фарғона бўлди.* Э. Воҳидов, Келажакка мактуб. *Эртага у диққинафас, рутубатли Ҳиротдан чиқиб кетади, шу йўсин билан бир йўла у беадад ғаму ғуссадан ҳам қутулади! [ўйларди Меъмор].* Мирмуҳсин, Меъмор. *Саройнинг фисқу фужурга, фаҳшга тўла рутубатли ҳавосию мармар ҳовузлардаги фавворалар салқини.. – барча-барчаси ўтмишга чекинди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Беш йил «ғоя»учун қаттиқ берилиб, рутубатли ҳужрада захлаб.. йигирма саккиз ёшида «хатми кутуб» қилишга муваффақ бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РУХ I [*ф.* رخ – тўра, рух] Шахмат ўйинида: тахтанинг икки четки қатор охиридаги катакларда жойлашадиган ва тикка ҳамда ёнлама йўналишда истаганча юра оладиган сипоҳ; тўра. *Рухни сурмоқ. Рухни юрмоқ.*

РУХ II [*ф.* رخ – юз, бет; ёноқ] *эск. поэт.* Кишининг юзи; рухсор. *Лабларинг остидаги холингдин айлансун қулинг, Лоладек гул-гул рухи олингдин айлансун қулинг.* Фурқат.

РУХ III [*ф.* روی – рух; қалай; бронза, сариқ мис] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оч зангори рангли, кумуш каби ялтироқ металл. *Рух купороси. Рух қотишмалари.*

РУХЛАШ Металл буюмларнинг сиртини коррозиядан сақлаш учун уларнинг сиртига рух қатлами ёки қотишмаси югуртириш ёхуд сиртини рух қатлами билан тўйинтириш.

РУХСАТ [*а.* رخصت – ижозат, изн; ижозат (розилик) қоғози] **1** Бирор ишни бажариш, қилиш, амалга ошириш учун шу ишга тааллуқли ёки жавобгар киши, орган, ташкилот ва ш. к. томонидан берилган ижозат, розилик жавоби. *Рухсат бермоқ. Рухсат олмоқ.* ▬ *Жаноблар! Менга рухсат беринглар, бориб отамга қарашим керак. Ҳамроҳ бўлганингиз учун ташаккур!* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Бунақа жиддий нарсаларни ёзиш учун бош редакторнинг рухсати керак, – деб баҳона қилдим.* С. Аҳмад, Сайланма. *Аъзам Зоҳидовичдан рухсат сўраб, дўстимнинг ишхонасига йўл олдим.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 *кесим взф.* Жавоб, ижозат (“сиз бўшсиз”, “кетишингиз мумкин” маъносида). *Сизга рухсат!* ▬ *Менга рухсатми, бек? Азизбек йўл устидан ҳожига қаради: -Рухсат, эртага чойни ўрдага келиб ичинг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУХСАТНОМА [рухсат + нома] **1** Ёзма равишда берилган ижозат, рухсат. *Навбатчи полициячилар рухсатномани кўриб, бизни ичкарига қўйишди.* «Фан ва турмуш».

2 *иқт. айн.* **лицензия 1.** *..четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома бериш*

тартиби анчагина соддалаштирилди. Газетадан.

РУХСАТНОМАСИЗ *иқт.* Махсус рухсатномаси, лицензияси бўлмаган, шундай рухсатнома олмаган,. *Ўз маҳсулотини рухсатномасиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилган бундай корхоналар сони бугунги кунда 800 га етиб қолди.* Газетадан.

РУХСАТСИЗ Рухсат сўрамай; рухсат берилмагани ҳолда, ижозатсиз. *Уста Олим қутидорга кулумсираб олгач: -Рухсатсиз меҳмонхонангизга кирганим учун кечирасиз, — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУХСОР [*ф.* رخسار — ташқи кўриниш, қиёфа; юз, бет; ёноқ] **1** Кишининг юзи; бет; афт-ангор, чеҳра. *Хуросонда бир дарбоза бор, Остонаси гулга кўмилган, Унда яшар бир пари рухсор.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Бир зумлик безовта ўйлар сўнгида Яна рухсорингга тикиламан жим.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Ранги синиқиб, таранг рухсорига ажин тушди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Унинг рухсори Аҳмадга танишдай туюлди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Кўриниш, қиёфа. *Ҳозирги Мирзачўлнинг рухсори бус-бутун бўлакча.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

РУЧКА [*р.* ручка — қўлча; даста, дастак, тиргак] **1** Ёғоч ёки пластмассадан қилинган, бир учига перо ёки ичига ранг билан тўлдирилган стержень ўрнатиладиган чўзинчоқ тутқич — ёзув қуроли. *Абдураззоқ ручкани сиёҳга ботириб, ҳафсала билан, худди сурат чизаётгандек қилиб имзо чекди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Ширинхон столга сурилиб, сиёҳдонга тироғлик турган ручкалардан бирини олди.* С. Зуннунова, Олов. *Ҳозир ёзув-чизувни шарикли ручкасиз тасаввур қилиб бўлмайди.* «Фан ва турмуш».

2 *с. т.* Даста. *Эшик ручкаси. Деараза ручкаси.*

РУҲ I [*а.* روح — жон, ҳаёт, кўнгил; арвоҳ] **1** *дин.* Киши ҳаётлигида у билан бирга, вафотидан кейин эса танадан чиқиб, абадий қоладиган кўзга кўринмас нарса, куч; арвоҳ. *Руҳ танадан чиққач, тана ўлади.* «Фан ва турмуш». *Ҳозир унинг руҳи, Сидқийнинг арвоҳи Мадина орқасидан эргашиб кетаётгандай кўринарди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Хаёлан унинг руҳига сиғинади, ундан мадад истайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Руҳи пок [*а.* + *ф.* روح پاک] Тоза, покиза ном, хотира. *Шу куни дошқозонда ош дамланиб, ўтган улуғ аждодларимиз руҳи покига дуойи фотиҳалар қилинди.* Газетадан. **Руҳи равон** [*а.* + *ф.* روح روان] Ҳаракатдаги, юриб турган қон, жон. *Туйғуларим туғёнидан бехабарсан, Тегма бир дам, гўзал, руҳи равонимга.* Т. Тўла, Асарлар.

2 Кишининг ички ҳолатини, психик кечинмаларини, ҳис-туйғуларини акс эттирувчи кайфияти. *Кўтаринки руҳ. Унинг руҳи кўтарилди.* ▬ *Эрталабки соф ҳаво унинг руҳини енгиллатиб юборди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Умиднинг уларникида меҳмон бўлганини эшитган Ҳафиза бирдан руҳи кўтарилиб, хурсанд бўлиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қутидор ҳали ҳам Отабекнинг руҳига тушуна олмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Йўлчининг*] *Кўкси гоҳ юпантирувчи кечинмалар билан, гоҳ бутун руҳига синган тотли ҳасрат билан тўла эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Кишининг ички дунёсини, маънавий қиёфасини, ўй-фикрларини, маслак ва мақсадларини акс эттирувчи кайфияти. *Миллий руҳ.* ▬ *Саида Зуннунованинг ижоди ҳам бошдан-оёқ мана шундай ифтихор руҳи билан суғорилгандир.* Газетадан. *Болаларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялайдиган ўйингоҳлар керак.* «Саодат». *[Ҳожи] Мажлиснинг Ниёз қушбеги руҳида борганлигини яхши сезди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Васила Назаровна бу қизнинг руҳида бўйсунувчанлик эмас, исёнкорлик борлигини кўриб, тутақиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Кибр-ҳаво, димоғ. *Манманлик руҳи. Катталик руҳи.*

5 Кишининг умумий кайфияти, кайфаҳволи. *Руҳи сўлғиннинг иши сўлғин, Руҳи тетикнинг иши тетик.* Мақол. ▬ *Шу куни Гавҳар ланж бўлиб уйғонди. Унинг руҳи тушиб кетган, нимадан хафалигини ўзи ҳам билмас, лекин ҳеч ишга қўли бормасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Рустам қоронғи тушиб қолган қишлоқ кўчасидан руҳи чўккан аҳволда юриб бораркан, ҳадеб шу саволни такрорларди: -Нега олади?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ўжар руҳим, жангари руҳим, Бир зумгина ўйга толсангчи.* А. Шер, Қадимги куй.

Руҳи енгил тортмоқ (*ёки* **енгиллашмоқ**) 1) соғайиб, тузалиб ёки ҳордиқ олиб, ўзини енгил, дуруст ҳис қилмоқ. *Бугунги осойишта уйқу Пўлатжонга анча қувват кир-*

гизди, ўзини тетик, руҳини енгил сеза бошлади. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Атрофга суқланиб қараркан, кўнгли нимадандир шодланиб, руҳи енгиллашди.* «Ёшлик»; 2) иши енгиллашиб, ўнгланиб, хотири жам, кайфи чоғ бўлмоқ. *Самандарнинг руҳи анча енгил тортди, яна чорбоққа ўтди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Сергей Петрович унинг кўнглини кўтариб ҳазиллашар, у ердан Адолатнинг руҳи енгил чиқарди.* С. Зуннунова, Гулхан. **Руҳи тетик** Кайфияти яхши, димоғи чоғ, хурсанд. *Уч кундан бери Алимардон шод, руҳи тетик эди. Бутунлай соғайиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бунақа обрў кимнинг тушига кирибди дейсиз. Руҳим тетик, бир гапириб, ўн куламан.* С. Аҳмад, Сайланма.

6 Аъло кайфият; бардамлик, тетиклик; ҳузур, завқ. *Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 *кўчма* Жонлилик, файз. *Навоий уй ичига кириши билан мажлисга руҳ кирди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Ўйин қизиб борар эди, уйнинг дарича, эшиклари бекланиб, токчаларга шам ёқилгандан сўнг, базмнинг руҳи яна ошди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 Ортиқ завқ; пафос. [*Султонмурод*] *Дўстининг шеърларида бўлган нуқсонларини едириб кетиш учун кўпроқ завқ ва руҳ билан ўқишга тиришди.* Ойбек, Навоий.

9 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг боришидаги, йўналишидаги характерли хусусият. *Замон руҳи.* ▬ *-Иншоолло, шу йигит мирзабоши бўлар! — деди Сафар бўзчи суҳбатнинг руҳини билмаган ҳолда.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Яхши асар яратиш учун аввало замон руҳини тушунмоқ керак.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Изланиш ва ижодкорлик руҳи лаборатория муҳитини белгилайди.* Газетадан. *Адабиёт ҳамиша навқирон кучлардан қувват олади, улар ҳисобига бойиб, янгича руҳ ва йўналишлар касб этади.* «Ёшлик».

10 Маслак, таълимот, ҳужжат ва ш.к. нинг асосий моҳияти, улар негизидаги белгиловчи ғоя. *Қонуннинг руҳи. Конституциянинг руҳи.*

Руҳи тушмоқ *ёки* **руҳини туширмоқ** Руҳий тушкунликка берилмоқ; ҳафсаласи пир бўлмоқ, кайфияти ёмонлашмоқ. *Бировга айтиб, тушунтириб бўлмайдиган ҳасрат уйқуни, дармонни қочириб, руҳини тушириб, бир ҳолатга келтиради одамни.* А. Мухтор, Туғилиш.

11 *флс.* Маънавий-руҳий, номоддий ибтидони ифодаловчи фалсафий тушунча; онглилик ва онгсизлик бирлигини ифодаловчи фалсафий категория.

РУҲАН [*а.* روحاً — маънан, ахлоқан, ичдан] *рвш.* **1** Руҳий жиҳатдан; руҳий. *Руҳан эзилди, бутун вужуди билан унсиз йиғлади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Хавотир ва ҳаяжондан руҳан қаттиқ чарчаган Адолатнинг кўзи илинди.* С. Зуннунова, Олов. *Одам табиатга яқинлашиб, уни теран ҳис қилгани сари, ўзини руҳан бардам сезади.* Газетадан.

2 Хаёлан, фикран. [*Йўлчи*] *Кўкракдан оққан қонга беланиб ётса ҳам, у фикран, руҳан жангда — курашда эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

РУҲАФЗО [*а.*+ *ф.* روح‌افزا — жон бағишловчи, жонбахш, тирилтирувчи; тетиклантирувчи] *кт.* Руҳни кўтарадиган, жонга руҳ бағишлайдиган, жонлантирадиган. *Руҳафзо ҳаво.* ▬ *Яқинлашиб қолди дарёйи азим, Руҳафзо салқинин сезар жону тан.* Ж. Жабборов, Қуёш юрти. *Бугун кечқурун.. кинотеатрдан чиқишимиз билан, руҳафзо ҳаво бизни оғушига олди.* «Ёшлик».

РУҲБОН [*а.* رهبان — «роҳиб» с. кўпл.] *эск. кт.* Руҳонийлар, роҳиблар. *-Мазкур томошаларни руҳбонлар, давлат арбоблари, бош қўмондонлар, шаҳар улуғлари кўришга ҳақлидир, — деди Дониш.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

РУҲИЙ [*а.* روحى — маънавий, ботиний, ахлоқий] **1** Кишининг руҳига, руҳий кайфиятига, ички кечинмаларига оид, улар билан боғлиқ бўлган. *Руҳий ҳолат. Руҳий кўтаринкилик. Руҳий эзилиш.* ▬ *Муттасил руҳий азоб чеккан одам ҳамиша янги зарбаларга чоғланиб туради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳафиза ноумид уйга келди. У сўник, кайфи паст эди. Баъзи қизларга ўхшаб ички руҳий ҳолатини яшира олмас — хафалиги дарров билиниб қоларди.* Мирмуҳсин, Умид.

Руҳий енгиллик (*ёки* **тетиклик**) Кайфияти яхшилик, димоғи (кайфи) чоғлик, хурсандлик. *Касалдан турган ҳар қандай одамда бўладиган алланечук бир руҳий енгиллик унинг ҳам қалбига қувонч тўлдирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кечаги бахтиёр дамларини эслашнинг ўзиёқ Ёдгорга*

баланд бир руҳий тетиклик берган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Руҳий касалликлар** Бош мия фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиган, руҳий фаолиятнинг функционал ўзгаришидан то унинг бутунлай бузилишигача бўлган ҳолатларда намоён бўлувчи касалликлар.

2 *айн.* **маънавий 1.** *Руҳий озиқ.* ▬ *Аллаларда онанинг руҳий дунёси, фарзандга бўлган муҳаббати, орзу-ўйлари акс этади.* «Саодат». *Унда атрофимизда бўлаётган экология ҳалокати эмас, балки руҳий оламнинг ҳалокати акс эттирилган.* «Муштум». *[Сунʼнатилло махсум Шукруллога:] Сен уларга руҳий озиқ берасан, мен моддий томондан суяйман.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

РУҲИЯ [*а.* روحيّه – руҳий ҳолат, кайфият] **1:** **аҳволи руҳия** *эск. кт. қ.* **аҳвол**. *Бировнинг аҳволи руҳиясига қараб иш қилмоқ.* ▬ *У қўрхонага бу йил қанча милтиқ, тўп, ўқ-дори келтирганини айтди, рус ҳарбийларининг аҳволи руҳияси, ўқитиш усуллари, қуроласлаҳаларининг қаерда, қай тарзда сақланаётганини билдирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Донолар шундай, одамни бир кўришдаёқ унинг аҳволи руҳиясини билишади.* С. Нуров, Нарвон.

2 Ташқи кўриниш, қиёфа, авзо. *Яна ўн минутлар ўтар-ўтмас катта зал зинапоясида Ҳафиза пайдо бўлди. Ҳаммадан аввал унга Умид тикилди, аммо унинг руҳиясидан ҳеч нимани пайқамади.* Мирмуҳсин, Умид.

РУҲИЯТ [*а.* روحيّت – руҳий ҳолат, психика] Руҳий кечинмалар мажмуи, руҳий ҳолат. *Алла нафақат ухлатилаётган гўдак қалбига, балки кишилар руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.* «Саодат». *Боғларга, маданият уйларига, майдонларга, кўчаларга берилаётган номларнинг халқ руҳиятига ўтказадиган таъсирини фақат зукко одамларгина англайдилар.* «Муштум». *..Кишиларимиз онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини бўй-басти билан кўрсатиш ижод аҳли олдида ўта долзарб вазифа бўлиб турибди.* Газетадан.

Миллий руҳият Миллатнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва масалаклари билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуи. *Миллий руҳиятни мазмунан ва шаклан бойитиш.. янги поғонага кўтариш мустақилликнинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир.* «Мустақиллик» луғати.

РУҲЛАНМОҚ Руҳий кўтаринкилик касб этмоқ; илҳомланмоқ, рағбатланмоқ. *Бойқаронинг зафар ғурури билан руҳланган йигитлари душманни янчиб, даҳшатли сурон билан уни таъқиб этдилар.* Ойбек, Навоий. [*Элмурод*] *Гулсумнинг ҳар бир сўзни жону дили билан тинглашидан руҳланди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

РУҲЛИ 1 Кўтаринки руҳдаги, руҳи баланд. *Йигитли жой салобатли, қаҳрамон руҳли бўлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Жонли тус олган, жонли, завқ-шавқли. *Тўй жуда ҳам руҳли.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қурилиш кундан-кунга қизиқроқ, руҳлироқ давом этди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

РУҲОНИЙ [*а.* روحانى – руҳий, маънавий; диний; диндор] Дин пешвоси, дин йўлида, диний лавозимда хизмат қилувчи, уни тарғиб этувчи диний киши; диндор. *Эрта билан Султон Абусаид мирзо Бухоронинг руҳоний ва номдор кишиларини чорлаб, улар билан қисқа мулоқотда бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Зоҳир шайх, оғасидек руҳоний бўлгани билан, оғаси каби арзимаган нарсага ловуллаб кетадиган тажанг, жаҳлдор эмас, кўнгилчан, раҳмдил киши эди.* С. Сиёев, Аваз.

РУҲОНИЯТ [*а.* روحانيّت – руҳонийлар; руҳонийлик; руҳий-маънавий куч, таъсир] *эск. кт.* Руҳий-маънавий куч-қувват, маънавият. *Масжид минорасидан руҳоният ёғдириб мунгли азон товуши эшитилди-да, уйқу қучоғида ётган табиат уйғониб жавоб берган каби янграб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУҲПАРВАР [*а.+ф.* روحپرور – жонлантирадиган, ҳаётбахш; руҳлантирувчи] Руҳни парвариш қилувчи; руҳлантирувчи. *Эсиб ҳар соридин бўстонлар ичра руҳпарвар ел, Масиҳо мўъжизидин ҳар нафас урғуси дам саҳро.* Огаҳий. *Руҳпарвар овозим тинмагай абад.* «Ёшлик».

РУҲСИЗ 1 Руҳи паст, жонли тус олмаган, шавқ-завқсиз. *Руҳсиз тўй. Руҳсиз ҳаёт.* ▬ *Мажлис очилмаган, очилса ҳам руҳсизроқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уста Сирожиддин "Наво"ни, дарҳақиқат, руҳсиз, ёмон чалди.* Мирмуҳсин, Созанда. *Абдураҳмон.. бир неча ойлар ниҳоятда руҳсиз, кайфсиз ва*

дарсига ҳам ҳафсаласиз давом этиб юрди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бўш, ланж, кайфиятсиз. *Ўзининг руҳсиз товуши билан Ойша буви ҳам гапга аралашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тонгда руҳсиз кўз очаман, Қовурилар танда жон. Онажоним, бундай қилма, Бундай қилма, онажон.* А. Орипов, Йиллар армони.

РУҲСИЗЛАНМОҚ 1 Руҳий тушкунлик кайфиятига берилиб умидсизланмоқ, дадилликни қўлдан бермоқ. *-Шунча одамнинг мислсиз қийноқларда жон берганини кўрган жангчилар, мағлубиятга учрагандан баттар эсанкираб, руҳсизланиб қолдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Жонлиликни, қизғинликни йўқотиб, қизиқарсиз, ўлик тус олмоқ. *Мажлиснинг бунчалик руҳсизланиб, маъюсият [маъюслик] ичида қолишига Гулсунбиби чидаб туролмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бундан сўнгги суҳбат жуда руҳсизланиб кетди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

РУҲСИЗЛИК Руҳий тушкунлик кайфиятига берилиш, умидсизлик, завқ-шавқсизлик. *Уйга келсангиз, аллақандай кўнгилсиз, жимжит руҳсизлик сизни қарши олади.* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Тоштемир хонасига кириб, чироқни ёқди. Руҳсизлик билан хона ичини кўздан кечира бошлади.* «Ёшлик».

РУҲШУНОС [*а.+ф.* روحشناس – руҳни текширувчи, ўрганувчи] Психология олими, мутахассиси. *Таниқли руҳшунос олимлардан бири А. Пере-Клермон ижтимоий ривожланиш манбалари хусусида эътиборли фаразларни олдинга суради.* «Фан ва турмуш». *-Инсон руҳиятида юқоридаги каби чақириқлар, асосан, киши руҳий зарба ёки ҳаяжон остида бўлганида юз беради, – дейди кўпчилик руҳшунослар.* Газетадан.

РЭКЕТ [*ингл.* racket – шовқин, тўполон; қўрқитиш, дўқ-пўписа] Зўрлик, қўрқитиш орқали, товламачилик ва таъмагирлик, дўқ-пўписа, зўравонлик ва б. йўллар билан бирор нарса ундириш. *Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида.. коррупция.. рэкетга нисбатан бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим.* Газетадан. *Вилоятда ташкил қилинган рэкетга, террорчиликка, коррупцияга қарши курашиш бўлими, умуман, қониқарсиз аҳволда ишламоқда.* Газетадан.

РЮКЗАК [*нем.* Rucksack < Rucken – орқа, орқа томон + Sack – халта, қоп] Қўш тасма билан орқага осиб юриладиган сумка, юк халта. *Оҳиста бориб, девор тагига қўйган рюкзагини очди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Шерали орқасидаги рюкзакни каравоти тагига қўйиб, Зарифага қўл узатди.* С. Кароматов, Олтин қум.

РЮМКА [*нем.* Römer – вино ичиладиган яшил шиша идиш] Спиртли ичимликлар ичиладиган кичкина шиша идиш; кичкина қадаҳ. *Стол устидаги шамларни ёқишиб, биллур рюмкаларга вино қуйишди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар. *Жавлон қўлларини бир-бирига завқ билан ишқаб, стол устидаги фужер, рюмкаларни нари-бери қилиб, текислаб қўйди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *-Қани, Зокиржон, – деди [Мирсаид]. – Биринчи рюмкани сиз учун кўтарамиз.* П. Қодиров, Уч илдиз.

РЎБАРЎ [*ф.* روبرو – юзма-юз; рўпарада, қарши томонда] Қарама-қарши томон; қарши, рўпара. *Рўбарў бўлмоқ. Рўбарў келмоқ. Рўбарў қилмоқ.* ▬ *Кунлардан бир кун жўрттага ташқари ҳовлига чиқиб, унинг [Зулфиқорнинг] йўлида рўбарў бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Уларга [врачларга] рўбарў бўлсанг, албатта, бирор касал топишади.* «Ёшлик». *Рўбарў келдинг сен тошқин дарёга, Қолдинг соҳил узра чорасиз, гирён.* А. Орипов, Йиллар армони. *Рўбарў келмоққа йўқ бизда тоқат, Такрор учраштирар бизни бу кўча.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

РЎВАК [*ф.* روک] **1** Бир турли попукли ўсимлик.

2 Баъзи ўсимликларнинг (мас., қамишнинг) тўпгули, попуги. [*Қамиш*] *Гуллаш олдидан пояси учида рўвак ҳосил қилади.* М. Тўйчиев, Қамиш.

РЎВАКЎТ Бошоқдошларга мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми.

РЎДАПО [*ф.* رودهپای < روده – ичак + پای – оёқ: ичаксимон оёқлари бўлган баҳайбат махлуқ; саккизоёқ] **1** Сўрғичли саккизта катта пайпаслагичи бўлган денгиз ҳайвони, спрут. *Кўчада оёқлари, маталларда айтиладиган рўдапонинг оёқларидай, бир-бирига ўралиб бораётган қўрқинчли бир ажойиб нарсани кўрдим.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Ҳар қандай баҳайбат, ваҳимали нарса. *-Бир оёғим тўрдаю бир оёғим гўрда, ажал деган рўдапо эшикнинг тирқишидан мўралаб турибди-ю, қолган беш кунимга шукур қилмай, яна орзу-ҳавас қилайми, ай-*

ланай овсин? — деди Шукур кампир. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *У танкнинг мотор қисмига ёндирувчи бутилка ташлади шекилли, ловуллаган темир рўдапонинг қорнидан офицер ўзини улоқтирди-да, тўппончасини тепадаги аллакимга берди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Рўдапо булутлар, сийқа тангадек хира ялтираб турган қуёшни ютиб юборишга ошиқади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

3 *кўчма* Бичими келишмаган, беўхшов, бесўнақай кийим ёки ёпинчиқ. *-Баҳрингиз очилибди, ойи. -Очилганда қандай! Шу рўдапони ёпиниб, умримни хазон қилган эканман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ичкари уйларнинг биридан, липпасига қистирилган рўдапо қўнғир кўйлагининг этагини шошапиша тузатган кўйи, семиз, бадқовоқ хотин чиқиб келади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

4 Қўпол, қовушмаган одам. *Ҳабиба хоним.. Валихоннинг кўз очиб кўргани, Теҳрон ва Кобулга номи кетган савдогарнинг қизи. Майна-чи? Қишлоқи, саҳройи, рўдапо бир қиз.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *«Бўтам»лаб туриб, жонимни олади шекилли бу рўдапо, дея хаёлланди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РЎЁ [*а.* رؤياء – кўриш; туш кўриш, тушда кўрилган нарса] Мавжуд бўлмаган нарса, ҳодиса. *Агар алдамаса шу совуқ симлар, Гар шул эшитганим бўлмаса рўё, Сен бешик эмассан, дорсан, табиат, Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!* А. Орипов, Юртим шамоли. *Нечун рўёларни тан олиб, таниб, Менинг борлигимга келтирурсан шак!* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик. *Билмайсан: ҳақ қайда, қайдадир рўё, Қоқилиб кетгандек бўлаверасан Кафт каби теп-текис жойда ҳам гўё.* Газетадан.

РЎЁБ [*ф.* روى آب – сув юзаси, сатҳи: маълум бўлиш, воқеланиш]**: рўёбга чиқмоқ** 1) юзага чиқмоқ, амалга ошмоқ; ушалмоқ. *Иншоолло, шу кунларда халқнинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқиб, уларнинг авлодлари мустақилликнинг гаштини сурмоқдалар.* Газетадан. *Турмушда кишининг тузган режалари ҳамма вақт ҳам рўёбга чиқа бермас экан.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат; 2) намоён бўлмоқ, воқеланмоқ. *Фикр тил материали базасидагина рўёбга чиқади;* 3) *айн.* **рўшноликка чиқмоқ** *қ.* **рўшнолик.** *Боёқиш анча рўёбга чиқиб қолди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

РЎЖА *с. т. қ.* **рўйжо**. *Эрталаб Тўпа хола ўзини бир оз енгил ҳис қилди. Ҳамма ёқ озода, оқ рўжа, тувакда гуллар.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

РЎЗ [*ф.* روز – кун, кундуз пайт, бир кеча-кундуз; сана; давр] *кт.* Кун, бир кун. *Рўзингни сот, рўшнолик ол.* Мақол. ■ *Ул муртаддин.. жанобига тождорга ҳар рўз, балки ҳар соат хавф бордир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Рўзи азал [*ф.+ а.* روز ازل – қадим вақтлардан, эскидан] Ўтмишдан, аввалдан. *Рўзи азал қиз қисматида Эрга тегмоқ одати бордир.* Ҳ. Олимжон. **Рўзи қиёмат** [*ф.+ а.* روز قيامت – одамлар қайта тириладиган кун] *қ.* **қиёмат.** *Тонгла рўзи қиёматда қилган кавсардан шароб, То ўлгунча сени истар бахти қаро Гулшароб.* «Нурали». *Жумла мўмин йиғлагайдур рўзи қиёмат, қайдасиз? Эй падар, жаннатмакон, пийрибадавлат, қайдасиз?* Н. Аминов, Суварак. [*Мастура Мирзараимга:*] *Сизни деб қора бўлган бу юзларимни байтуллога суркамай ўлсам, рўзи қиёматда қандай бош кўтараман?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

РЎЗА [*ф.* روزه – рўза, кундузги иш] **1** *дин.* Мусулмонларнинг ҳар йили бутун рамазон ойи давомида дунёвий ишлардан ўзини тийиб, бутун кун бўйи ҳеч нарса емай-ичмай юриш урф-одати; исломдаги бешта рукн (фарз) дан бири. *Рўза тутмоқ. Рўзани очмоқ. Ўттиз кун рўзанинг бир кун байрами бор.* Мақол.

2 *с. т.* Рамазон ойи. [*Саховатли бойларнинг*] *У рўзадан бу рўзага берадиган садақаси дарёдан томчи эмасми?* Ойбек, Танланган асарлар.

РЎЗНОМА [*ф.* روزنامه – газета; эсдалик, кундалик] **1** *эск.* Мажлиснинг кун тартиби. *Пирмат аълам мажлисни очиб, рўзномада озиқ-овқат ва думахонага сайлов масаласи турганлигини эълон қилди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Мажлисни жамоа шўросининг топшириғи билан Жўра батрак очди.. Каримов раисликни олиб бораркан, рўзномани эълон қилди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 *с.т. қ.* **газета.** *..рўзнома ва ойномаларни вилоят аҳолисига ўз вақтида етказиб бериш керак.* Газетадан. *Бугун, шаҳримизда улкан анжуман йиғилган аснода, мен рўзномада эълон қилинаётган ихчамгина мақоламда узоқ тарих ҳикоясига берилиб кетмоқчи эмасман.* Газетадан.

РЎЗҒОР [*ф.* روزگار – давр, вақт; тақдир, насиба; мавқе, ҳолат, шарт-шароит; қулай имконият; олам, жаҳон] **1** Ўзига мустақил ҳар бир оила, ҳар бир хўжалик. *Аёлнинг сариштаси – рўзғорнинг фариштаси.* Мақол. ▬ *Сени деб уйимдан, рўзғоримдан кечдим.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳа, дуруст, ишга яроқли полвондек йигит бўлсанг, рўзғорга бош бўласан энди, ўғлим.* С. Кароматов, Олтин қум. *Шу пайтгача доим рўзғор иши билан банд бўлган Маликахон заводга ишга кириб кетди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Шундай оила ёки хўжаликка тегишли ва унинг тирикчилиги учун зарур анжом-ашёлар, икир-чикирлар. *Рўзғор зийнати – ўтин, Уй зийнати – хотин.* Мақол. ▬ *Кўшу омоч, бош айланмас кичик қўрғон, Овқат-рўзғор, кавшай десанг – оби ёвғон.* Ҳ. Ғулом, Танланган асарлар. *Агар бошқа одам бўлганда, Маҳфузага тўғри йўл кўрсатар, рўзғорини бутлаб олишни ўргатарди.* Газетадан. *Қодир бутун рўзғор ташвишларини зиммасига олишга мажбур бўлди.* «Ёшлик».

3 Турмуш, оила. *-Катта қизининг рўзғорини ҳам шу кампир бузган. Магазинда ишлайдиган топармон-тутармон бир йигитни ичкуёв қилиб, роса соғиб ичди, – деди келин.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Буларнинг ҳам айримларининг рўзғор, фарзандлари бор, баъзилари эрта-индин узатиладиган бўлиб, бўй етиб турибди.* Газетадан.

Рўзғор кўрмоқ 1) *қ.* **рўзғор қилмоқ 1.** *Ҳали Бодомгулнинг тупроғи совимай, янгисини топибди. Бирон марта рўзғор кўрмаган, нене йигитлар кўзини куйдирган бу тамтам қиз унинг тузоғига тушиб қолганига сира тушунолмасди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Ахир мен ҳам рўзғор кўрган эдим.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) *қ.* **рўзғор қилмоқ 2.** *Рўзғор кўрса, тушуниб қолар, деган фикргина Марзия холага таскин берар, келинига ҳам буларнинг ҳаммаси вақтинчалигини уқтириб, кўнглини овларди.* С. Зуннунова, Кўк чироқ. **Рўзғор тебратмоқ** Оилани иқтисодий жиҳатдан таъминламоқ, оилани боқмоқ. *У [Маҳмуд Торобий] ўзининг Муҳаммад ва Али исмли икки укаси билан саҳардан то шомгача меҳнат қилиб, катта рўзғорини тебратиб турарди.* М. Осим, Маҳмуд Торобий. *Бу пальтони меҳнат қилиши, пул топиши, рўзғор тебратиши мумкин бўлган соппа-соғ шу қўллари билан бировга элтиб берадими?* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

Рўзғор қилмоқ 1) оила қурмоқ. *Карим қандай ақлли йигит. Бечора ота-онасиз етим ўсди. Рўзғор қилишни тоқатсизлик билан кутяпти.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) ўз хўжалиги учун зарур анжом тўпламоқ, бойлик орттирмоқ. *Шунчали рўзғор қилиб, лоақал юмшоқроқ нон едирмасак.. Киши жуда ҳам уялади!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РЎЗҒОРЛИ Рўзғорга эга бўлган, рўзғор қилган; оилали. *Уй-рўзғорли киши.* ▬ *[Яхшибоев:] Айниқса, менга ўхшаган катта рўзғорли одамга – вақтида йиғинмаган эканман, кейин бола-чақани ҳам эринмай кўпайтирибмиз – оғири энди елкага тушяпти.* М. М. Дўст, Лолазор.

РЎЗҒОРХАЛТА Рўзғор учун керакли, рўзғорда ишлатиладиган катта халта. *Савдосотиқ учун юртма-юрт кезадиган, кунора зил-замбил рўзғорхалта билан бозордан қайтадиган, нозик жуссасидан ҳам оғирроқ қопларни у бозордан бу бозорга ташийдиган аёлнинг феъли ҳам ўзгара боради.* Газетадан.

РЎЗҒОРЧИЛИК Рўзғор, кундалик ҳаёт ташвишлари, икир-чикирлари, рўзғорга оид иш ва ташвишлар. *-Яхши, яхши, қўй сўйганингиз маъқул, беш-ўн қадоқни зиёфатга ишлатсангиз, қолган ёғ-гўшт, ахир, рўзғорчилик, дейди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Рўзғорчиликда ҳар гап ўтади.* С. Аҳмад, Уфқ.

РЎЙ [*ф.* روی – юз, юза, сатҳ] Бирор нарсанинг сиртқи томони, юзи. *Офтоб рўйи.* ▬ *Бир нафас қуёшдай кўрсатсин у рўй, Бир нафас қуёшдай порласин қуёш.* А. Орипов, Йиллар армони.

Рўй бермоқ Воқе бўлмоқ, содир бўлмоқ, юз бермоқ. *Аҳмаджон қандай ҳодиса рўй берганини дарҳол фаҳмлаб, орқа ёқдан томга чиқди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Жамиятимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар, қайта қуриш жараёни олимлардан ҳам астойдил сафарбарликни тақозо этмоқда.* Газетадан. *Чарос нима ҳодиса рўй берганини анчагача ўзиям тушунмай қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Рўйи жаҳон (***ёки* **замин)** Ер юзи, дунё, олам, жаҳон. *Оташ арава, милтиқ, тўп, ўқ, калиш, газлама.. боринг-чи, шу рўйи заминда кўриниб турган илму ҳунар шулардан чиқади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бутун рўйи заминга ядро фалокати соя ташлаб турган айни пайтда халқаро бирдамлик тантанаси улкан аҳамиятга эгадир.* Газетадан.

РЎЙЖО [*ф.* روى – юз, юза + جا – жой] Гулдор ёки сидирға чойшаб. -*Нима бу?* – *деди хотин, рўйжони ёзиб. -Каравотнинг тепасига осгани шундақа бир нарса қидириб юрган эдинг шекилли. Жуда ажойиб нарса.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

РЎЙИНАТАН [*ф.* روئنتن – мис танали, ўқ ўтмайдиган – Фирдавсий «Шоҳнома»-сидаги Исфандиёрнинг лақаби] Ўтакетган зўравон, олғир; маккор, қув. *Рўйинатан одам.* ▬ *Лекин Тошпўлат рўйинатанким, тунов кун газлитда [газетада] бир мунча фисқу фасод сўзлардин ёзиб.. жумла уламодин фақирни ҳам ҳақорат қилган эркан..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

РЎЙИРОСТ [*ф.* رویراست – очиқ, дангал юз] *рвш.* **1** Бирор андишага бормасдан, юз-хотир қилмасдан; тўппа-тўғри, дангал, очиқ. *Рўйирост гапирмоқ.* ▬ *Кеча сиз.. роса соат 11 да қаерда эдингиз? Кўчадамидингиз ё ишхонадами? Шу саволга коллектив олдида рўйирост жавоб беринг.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Булар [пиёда аскарлар] ҳаммаси ҳам милтиқ ва автоматларни тайёр тутган ҳолда, рўйирост бостириб келмоқда..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Тикка; бор бўйича. *Йигитлардан бири.. кўзларини чақчайтириб, оғзини катта очиб, йўғон товуш билан атрофга бонг урди: -Юравер! Йигитлар, юравер! Майдонга рўйирост чиқиб, ҳаққимизни дов қиламиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Чинакамига, астойдил. *Унинг* [*Сидиқжоннинг*] *кулиши Ўрмонжоннинг рўйирост ғашини келтирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

РЎЙИХОТИР [*ф.* + *а.* رویخاطر – хотира(си) олдида, учун] Андиша, риоя, юз-хотир. *Рўйихотир қилмоқ.*

РЎЙИХУШ [*ф.* رویخوش – ёқимли, қувноқ, очиқ юз] Очиқ чеҳра ва илтифот; яхши муносабат. *Элмуроднинг Анна Ивановна билан бир оз гаплашиб ўтиргиси, унинг энди-ги режалари билан танишиш нияти ҳам йўқ эмасди. Қарасаки, унинг рўйихуши йўқ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Рўйихуш бермоқ Очиқ чеҳра билан илтифот қилмоқ, майл билдирмоқ. *У* [*Вали полвон*] *раисга борган экан, раис ҳам унча рўйихуш бермай, "майли, қурилишда синаб кўрамиз", дебди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

РЎЙИХУШЛИК Очиқ чеҳралик, илтифотлилик, мойиллик, розилик. *Эшонбоев Зокирнинг нега бу ерда турганига энди тушунди ва ўзи бошқа одамга рухсат олмоқчи бўлгани учун рўйихушлик бермади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

РЎЙХАТ [*ф.* + *а.* رویخط – хат, ёзув бўйича] Нарсаларни, кимсаларни маълум тартиб билан ҳисобга олиб, ёзиб чиқиш ва шу жараённинг натижаси бўлган ҳужжат. *Бултур раис енгил ишларга ярайдиган қарияларни рўйхат қилганида, отани ёзмаган экан, ота рўйхатга кирмай қолган чолларни йиғиб, мажлис қилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Асадилло чўнтагидан бугун жуда кўп марта кўз югуртирган рўйхатини олди.* Ф. Мусажонов, Қумри.

РЎЙХАТЧИ Рўйхатга олувчи, рўйхат тузувчи киши.

РЎКАЧ [*ф.* روکش – устки, ҳимоя қатлам, қоплама] Кўз-кўз қилиб, ёмонини яшириш учун ажратиб, олдинга қўйилган сара нарса; молнинг, нарсанинг сараси. *Қулупнайнинг рўкачи.* ▬ [*"Четан" колхози*] *Район бўйича эмас, Ўзбекистон бўйича энг обрўли намунавий колхозлар қаторига кўчади. Районга.. келган меҳмонларга районнинг рўкачи бўлиб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Рўкач қилмоқ 1) пеш қилмоқ, дастак қилмоқ. [*Ботир:*] *Ҳадеб қўчқорлигингизни рўкач қилаверасизми, Валихўжа ака! Камтарлик ҳам керак кишига!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби; 2) баҳона қилмоқ. -*Бир нарса деса, уч ойдан бери тўланмаган уй пулини рўкач қилиб, бет-кўзингизни юласиз,* – *деди Ҳабиба эрига.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *1994 йил мавсумида бошқа сабабларни рўкач қилишга ва ўзини оқлашга ўрин йўқ, деб ўйлайман.* Газетадан.

РЎМОЛ [*ф.* + *а.* رومال – *л.м.* юзга тутилган мато: сочиқ; рўмол(ча)] **1** Аёллар бошига ўрайдиган, одатда, тўртбурчак шаклдаги мато. *Дока рўмол. Шоҳи рўмол. Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши.* Мақол. ▬ *Хотин бошидаги жун рўмолини олдида, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *[Анвар:] Жавоб айтиб кет, Раъно! -Ҳа, шундай! – деди Раъно гул ёнида рўмолини тўғрилаб, – Энди сизнинг олдингизга чиқмайман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Умуман, шундай мато, парча. *Унинг* [*Тошматнинг*] *боши дока билан ўралган, чап*

қўли рўмол билан елкасига осиб қўйилган эди. Ҳ. Ғулом, Машъал.

РЎМОЛЧА Кичкина рўмол, дастрўмол. *Кейин рўмолчасини қўлида ҳимариб ўтириб, ашула бошлади.* С. Зуннунова, Олов. *-Офтобнинг тафти ёмонмас-а! — Зойиржон пиджагини ечиб ташлаб, рўмолча билан бўйнини артди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ўшанда бир тасодиф сабаб бўлди-ю, касалхонанинг бош ҳамшираси сўроқ пайтида иккита рўмолча ишлатди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

РЎПАРА [*ф.* روبرو – юзма-юз] Бир нарсага ёки кузатувчига, сўзловчига қарама-қарши томон; қарши. *Рўпарадаги уй.* ▬ *Дераза рўпарасидаги туйнукдан Рузвоннинг боши кўринди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Театр-рассомчилик институтининг шундоққина рўпарасида, кўчанинг бериги бетида, уч туп ёш чинор бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Рўпара бўлмоқ (*ёки* **келмоқ)** 1) юзма-юз учрашмоқ, учрашиб қолмоқ. *Бироқ унинг тили қисиқ; онасига сўз қайтариш эмас, рўпара бўлишга ҳам юраги безиллар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) дуч келмоқ, йўлиқмоқ. *Шу-шу Адолат Бегимхон билан гаплашмай қўйди. Мана энди улар яна рўпара келдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Титраб, от чоптириб келаётган Бадиа.. душман отлиқларидан бирига рўпара бўлиб, жон-жаҳди билан қилич солди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Поезд тўхтаганда, югургилаб битта проводникка рўпара бўлдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Рўпара қилмоқ** 1) юзма-юз қилмоқ, учраштирмоқ. *Сен менга Сулувни рўпара қилавер-чи* [*деди Аллон Палмонга*]. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *«..энди бўлса икки болали одамни рўпара қилиб ўтирибди», — деб ўйлади Азиза ҳамон шифтдан кўз узмай ётаркан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) дуч келтирмоқ, йўлиқтирмоқ. *Сени илк дафъа Ферузга рўпара қилганимда, имонимдан чекиндимми? Ҳа, бир бахя чекиндим.* С. Сиёев, Аваз. *Жапақдан қутулдик, Элгелди энди унга қизини эмас, ажалини рўпара қилади.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси; 3) тўғри қилмоқ; кўрсатмоқ. *Эшоннинг "жилов" тўғрисидаги фикри Элмуроднинг ғазабини келтирди. Энди у дангал фактларни рўпара қилишга қарор берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

РЎПОЧ [*ф.* روپوش – ғилоф, қоплама; юзни бекитиб турадиган қалин тўр парда] *шв.* Таннозлик билан юзини бекитувчи аёл. [*Холисхон Тожибойга:*] *Отим ҳалигидақа.. бўлса ҳам, ўзим бир рўпочдан ортиқман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

РЎШНОЛИК [*ф.* روشنائی – ёритиш, ёруғлик, равшанлик] Бахтли, фаровон ҳаёт, ёруғлик. *-Аммо унинг [Ҳамид Олимжоннинг] сўзларини эшитган ҳар бир одамнинг юрагидаги тугун ечилгандек, чеҳрасида рўшнолик белгилари пайдо бўлди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *-Ҳимматингизга балли, Гулбадан. Оз қолди. Рўшнолик йўлимизни чароғон қилиб, бахтимиз келадиган дамлар яқин.. — деди Равшан Гулбаданга.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

Рўшноликка чиқмоқ *ёки* **рўшнолик кўрмоқ** Юзага чиқиб, бахтли, фаровон ҳаётга эришмоқ, ёруғликка чиқмоқ, эркин бўлмоқ. *Даврада унинг дастидан рўшнолик кўролмай юрганлар хушвақт бўлди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

РЎЯ [*ф.* رویه – уст, юза қисм] Юз, юза, бет. *Ҳовли рўяси.*

Офтоб рўя Офтоб тушиб, тегиб турадиган жой, томон. *Кампир офтоб рўяга қараб, битбозлик қилиб ўтирса, Гўрўғлибек оҳиста-оҳиста ўтиб кетиб бораётир.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

РЎЯН [*ф.* روین – ўсимлик номи] Бир йилда икки марта гуллаб, икки марта ҳосил берадиган сариқ гулли ўсимлик (тиббиётда буйрак тошини эритувчи кислота олиш учун, халқ хўжалигида қизил бўёқ модда олиш учун ишлатилади). *Илгари ана шу адирларда бутун бир қишлоққа етиб, ортиб қоладиган ем-хашакбоп сунбул, сўзан, рўян, олабута, балиққўз, жингул сингари юз хил тўйимли гиёҳлар тиззага уриб ётарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Рўян — фойдали ўсимлик, танаси эгилувчан бўлганлиги сабабли ундан арқон, сават тўқиларди.* Газетадан.



СААМ *қ.* **саамлар.** *Саам халқи.*

СААМЛАР Норвегия, Швеция, Финляндия, Россияда яшовчи, саам тилида сўзлашувчи халқ. *Саамлар қадимдан буғучилик, балиқ овлаш ва овчилик билан шуғулланади.* «ЎзМЭ».

САБА *шв.* Меш, саноч (теридан ясалган, қимиз солинадиган идиш). *Бир саба қимиз. Сабада қимиз келтирмоқ.*

САБАБ [*а.* سبب — боис, важ, баҳона; йўл, усул; алоқа] **1** Бирор (кўнгилли ёки кўнгилсиз) иш-ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг юзага келишида, содир бўлишида омил бўлган бошқа бир воқеа, ҳодиса; боис, омил. *Касалликнинг келиб чиқиш сабаби.* ▬ *[Меъмор:] Биз Хуросондан нима сабабдан чиқиб кетаётганимиздан хабарингиз борми?* Мирмуҳсин, Меъмор. *Дарахтларнинг нобуд бўлиши ернинг қуришига, сув камайишига сабаб бўлади.* Газетадан. *Ядро нурланишлари моддаларга таъсир қилиб, улар молекулаларининг ўзгаришига сабаб бўлади.* «Фан ва турмуш». *Шеър ун чекса, шоирнинг армони сабаб бўлгай.* А. Орипов.

2 Бирор иш-ҳаракат ёки ҳолат учун асос бўлган нарса; важ, баҳона, боис. *Узрли сабаб.* ▬ *Отабек яна ўн беш кун ўтказиб, тағин бир нозик сабабни ўртага ташлаб, онасининг рухсатисиз Марғилонга жўнаб соладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Албатта, аталадан тиш синмайди, аммо бу қимирлаб турган тишнинг тушганлигига бир сабаб, холос.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Сабаби тирикчилик Яшаш, кун кечириш, тирикчилик воситаси, тирикчилик тақозоси билан. *Эндиликда «мунгли», «муштипар» сингари сўзлар қовушмай қолган, бу хотинлардан ҳеч бири қилаётган ишига, касбикорига сабаби тирикчилик деб қарамайди.* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар.

3 *флс.* Оламнинг ҳаракати ва бирон-бир вақт мобайнида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодиса.

4 *сўр. олм. взф.* Нима учун? Нега? *Шоҳ бўлсанг, сабаб ўғрилик қилган фуқароларингни терғамайсан?* А. Қаҳҳор, Башорат.

Сабаб эргаш гап *тлш.* Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг сабабини билдирувчи эргаш гап. **Сабаб ҳоли** *тлш.* Иш-ҳаракатнинг сабабини билдирувчи ҳол.

САБАБИЙ [*а.* سببی — сабабли, сабаб билан бўладиган] *флс.* Сабабиятга асосланган; сабабли. *Сабабий боғланиш.*

САБАБИЯТ [*а.* سببيّت — боғлиқлик, алоқадорлик] *флс.* Ҳодисаларнинг табиий, ижтимоий, объектив ўзаро алоқасини, боғланишини билдирадиган категория. *Сабабият қонуни.*

САБАБКОР [*а. + ф.* سببکار — сабаб, омил бўлувчи; айбдор] *кт. айн.* **сабабчи.** *Сабабкорми ёлғиз тақдир ҳолингга санинг?* Э. Воҳидов. *[Асад:] Қани, айтинглар-чи, базмнинг сабабкори ким?* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. *[Дадавой:] Ёмон кўрадиган бўлса, сизлар сабабкор. Халқни менга қарши қутуртириб юргансизлар.* Уйғун, Навбаҳор.

САБАБЛИ 1 Бирор ҳодиса, ҳолат таъсирида юз берган, бирор сабабга асосланган. *У кишининг кечикиши сабабли.* ▬ *Энди кундош билан уч-тўрт кун апоқ-чапоқ бўлиб,*

оғиз-бурун ўпишгандай бўлар, лекин яна учтўрт кун сабабли-сабабсиз сира гаплашмай, тескари бурилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **сабабий.** *Сабабли боғланиш.*

3 *кўм. (б. к. билан)* Учун, туфайли, оқибатида, сабабдан. *Подшонинг хасталиги сабабли мамлакатда тўю маърака, базмлар тўхтатилган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши сабабли тутларда ён шохларнинг жадал ўсиши ва барглар сонининг кўпайиши содир бўляпти.* Газетадан. *Шу сабабли куйлаб сени умрим кечар.* Ё. Мирзо. *Антибиотиклар микроорганизмлардан ҳосил қилиниши сабабли қимматга тушади.* «Фан ва турмуш».

САБАБСИЗ Бирор сабаби бўлмаган, асосланмаган; асоссиз, важсиз, баҳонасиз; узрсиз. *Сабабсиз жанжал. Сабабсиз ўқишдан қолмоқ.* ▬ *Табиат ва ижтимоий ҳаётда сабабсиз бирорта ҳодиса ёки воқеа содир бўлиши мумкин эмас.* «Фалсафа қомусий луғати».

САБАБЧИ Бирор иш, воқеа-ҳодиса ёки ҳолатнинг юзага келишига, содир бўлишига сабаб бўлган кимса, нарса, омил; сабабкор. *-Бугунги кечамиз сабабчилари бўлмиш келин ва куёвнинг ҳар иккаласи заводимиз ишчилари бўлади, — деди нотиқ ғурур билан.* «Ёшлик». *-Янглиш сўзлайсиз, онажон, — деди Кумуш, — сиз дунёда турishга лойиқ эдингиз, лекин сизнинг дунёдан тўйишингизга сабабчи мен эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қаҳқаҳанинг сабабчиси бўлган тўтиқуш гўё ғолибона ҳаммага қарагандек эди.* Газетадан.

САБАНТЎЙ [*т.* сабан — темир омоч + тўй] Татар ва бошқирд халқларида баҳорги дала ишлари тугаши муносабати билан ўтказиладиган байрам.

САБАНЧА Йиртқичлар туркумига мансуб сутэмизувчи ҳайвон, дала мушуги.

САБЗ [*ф.* سبز – яшил, яшил рангли; ғўр, хом; янги, ёш] Яшил; баргранг, баргикарам, пистоқи (ранг). *Ул надурким, сабз тўнлик қуш дарахтнинг қошида.* Увайсий.

Сабз урмоқ Ўсиб, униб чиқа бошламоқ, ниш урмоқ. *Энди мўйлаби сабз урган, яқиндагина Фарғона жангидан қайтиб келган Низомиддиннинг ранги девор бўлиб оқариб кетган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САБЗА [*ф.* سبزه – яшил ўт, кўкат, майса] **1** Ям-яшил барра ўт, майса. *Баҳор, ҳар ён ёзилган сабза. Оҳуларда шўхлик ва ғамза.* Ғайратий. *Офтоб ҳижронида тонг сабзаларга қўнди нам, Ўйлаким, киприкларимни эгди тонг гирён юки.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Ором олур қир сабзалари, Ухлар Бўта, ухлайди Ойхон.* Миртемир, Асарлар.

2 Яшил, зумрадранг. *Сабза ўт.* ▬ *Довдарахт, гулу гулзорлар, сабза райҳонлар ҳамма ёқни ўраб олган.* Газетадан. *Ёритганча то юрак ичин Сабза ўтлар шабнамга қонар.* Х. Даврон. *Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар.* Муқимий.

Сабза урмоқ *айн.* **сабз урмоқ** *қ.* **сабз.** *У [Темиржон] энди улғайган, мўйлови сабза уриб, йигитча бўлиб қолган.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Оқ кишмишдан сояда қуритилган оч кўкиш майиз; сояки майиз.

САБЗАВОТ [*ф.* سبزیجات – «сабза» с. нинг кўпл.] Резавор ва полиз экинлари ҳамда уларнинг овқатга ишлатиладиган маҳсули (бодринг, карам, сабзи, пиёз, помидор ва ш. к.). *Сабзавот экинлари. Сабзавот дўкони.* ▬ *Хушбўй мевалар, айниқса, кўкатлар, турли нав сабзавотлар жуда мўл йиғилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Чанқоқликни қондириш учун сабзавот, мева шарбатлари, турли қайнатма ичимликлар ҳам тавсия этилади.* Газетадан.

САБЗАВОТКОР Сабзавот экинлари етиштириш билан шуғулланувчи, резавор экинлар экувчи, етиштирувчи. *Сабзавоткор хўжалик.* ▬ *Ўтган йил фақат деҳқонлар учун эмас, чорвадору сабзавоткорлар, боғбонлару соҳибкорлар учун ҳам оғир келди.* Газетадан.

САБЗАВОТЧИ 1 *айн.* **сабзавоткор.** *Ҳаваскор сабзавотчи экиладиган уруғлар тўғрисида ҳам ҳозирдан бош қотириши даркор.* Газетадан.

2 Сабзавот савдоси билан шуғулланувчи, сабзавот сотувчи.

САБЗАВОТЧИЛИК Деҳқончиликнинг сабзавот экинлари экиш ва сабзавот етиштириш билан шуғулланувчи тармоғи. *Сабзавотчилик хўжалиги.* ▬ *Раиснинг машинаси.. сабзавотчилик бригадаси томон бурилиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

САБЗАЗОР [*ф.* سبزه‌زار – яшил ўтлоқ] Ям-яшил барра ўтлар билан қопланган ер; дала, майсазор. *Шудринг маржонлари тақмиш сабзазор, Сувларга узалмиш толларнинг илки.* Миртемир.

САБЗАК [*ф.* سبزک – «сабза» с. нинг кичр.: қорачадан келган, буғдойранг] **1** Қорачадан келган, қорамағиз, буғдойранг. *Ғофиржон ака кенг елкали, ўрта бўйли, қора қош, қора кўз, сабзак юзи сал қорайган бир киши эди.* Н. Назаров, Замин.

2 Қовуннинг бир нави. *Яна сабзак била умрбоқий, еган одамгадир умр боқий.* Б. Аминзода.

САБЗИ [*ф.* سبزی – ошкўклар, зираворлар; хомлик, пишмаганлик] Сабзавот экинларининг бир тури ва унинг истеъмол қилинадиган маҳсули. *Қизил сабзи. Мушак сабзи. Сабзи экмоқ. Сабзи тўғрамоқ.* ▬ *Экинлар жуда соз. Айниқса, картошка билан сабзи мўл ҳосил беради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уста Олим ошга сабзи босиш билан овора эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Мирзойи сабзи *қ.* **мирзойи. Эркак сабзи.** *қ.* **эркак.** *-Пули бор ейди, пули йўқ-чи, – баланд овоз билан сўради эркак сабзига ўхшаган бир киши.* К. Яшин, Ҳамза.

САБЗИТЎҒРАР *этн.* Тўй ошидан бир кун аввал эркакларнинг тўй бўладиган хонадонга йиғилиб, ош сабзисини тўғраб тайёрлаб қўйишидан иборат маросим. *Танишимникида никоҳ тўйидан олдинги сабзитўғрар куни эди.* Газетадан.

САБЗИФУРУШ [*ф.* سبزی‌فروش – сабзавот, ошкўк сотувчи] Сабзи сотувчи. *Бозорчада бир-икки сабзифурушдан бошқа ҳеч ким қолмаган эди.* Газетадан.

САБИЙ [*а.* صبی – гўдак, бола, йигитча; ёш шогирд] *эск. кт.* **1** Кўкракдан ажратилган гўдак. *Йўқ, инсон ҳануз сабий, балоғатга етмагандир.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўчма* Ҳали вояга етмаган; ғўр, пишмаган, тажрибасиз. *Қалби тоғлар қадар зўр, аммо ўзи Энди ўн иккига кирган бир сабий.* Уйғун.

САБИЙЛИК Гўдаклик, болалик. *Вақти келиб инсон балоғатга етади, унинг сабийлик феъл-атворлари орқада қолади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *..само ва заминнинг азалий мувозанатига путур етди, сабийликнинг маъсум хаёллари устуворлашмай.. хотирага айланди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

САБИЛ [*а.* سبیل – йўл; имконият, восита] **1** Эгасиз, қаровчисиз қолган; эгасиз, қаровсиз қолиб хароб бўлган, аянчли, ачинарли аҳволга тушган. *Сабил бўлди манинг бу ўсган жойим, Сенга тегсам, қаттиқ экан манглайим.* «Ойсулув». *Қазингиз сабил қоладиган бўлди, бойвачча, кеннойим эртага тугунчага солиб, турмага олиб бормасалар деб қўрқаман.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Жони сабил Жони қаттиқ, чидамли, чайир.

2 «Қуриб кетгур», «қурғур» маъноларида қўлланади. *-Мен жуда-а чарчаганман, биласиз. Олдин шу сабил буқоғимни даволатиб олсайдим [деди Холиса].* С. Нуров, Нарвон. *[Хола:] Бизларди магазинда бошқа нарса топилмаса ҳам, ароқ деганнинг кети узилмайди, уруғи кўпми сабилни(нг) ёки булоғи борми, ҳайтовур босилиб ётибди.* С. Нуров, Нарвон.

Сабил қолмоқ Эгасиз қолиб, йўқ бўлиб, ўлиб кетмоқ. *-Сабил қолгур бу эшак, – деди бир ўтинкаш, – чопишга йўл бермайди.* С. Айний, Қуллар. *-Шунда биз уни, тек тур, сабил қолгур, дея қамчилаймиз [деди Зиёдулла]* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

САБО [*а.* صباء – шарқий шамол; ёшлик] Эрталабки майин, ёқимли шамол, бод, тонг шабадаси. *Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун, Тамоми ҳусн элининг шоҳи султон бир келиб кетсун.* Ҳамза. *Тушда кўрдим дилбаримни, эй сабо, уйғотмагил, Олма бир дам васл шавқин, қўй, мени қўзғатмагил.* Э. Воҳидов. *Ялпизларнинг салқин ҳидин келтирар сабо..* М. Шайхзода.

2 *с.т.* Сабоҳ. *Гар жондан севмасам, ҳар шому сабо Йўлингга интизор боқарми кўзим?* Шуҳрат.

Боди сабо Тонг шамоли. *У энди шаффоф осмонга, анвойи гулларга энтикиб боқмас, боди сабо лаззатини, аёл муҳаббатини ҳис этмас.. эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Субҳи сабо** Эрта тонг. *Кўча пойлаб ҳар субҳи сабо Алланарса туяр хаёлинг.* Р. Парфи.

САБОТ [*а.* ثبات – қатъийлик, қатъият; ирода; барқарорлик] Ўз сўзида, фикрида мустаҳкам туришлик; матонат, чидам, бардош; букилмас ирода; қатъийлик. *Мард кишига ярашар Аҳдга вафо ва сабот.* М. Шайхзода. *Сабот ва матонат кишиларимизнинг асосий фазилати бўлиб қоляпти.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Лекин қутулмоқ йўқ ҳижрон дастидан, Фақат қалбимизда бардош ва сабот.* А. Орипов.

2 *айн.* **қунт.** *Сабот билан ўқимоқ.*

САБОТАЖ [*фр.* sabotage < saboter – ёғоч кавуш билан тақиллатмоқ] Ишдан ошкора

бош тортиш ёки ўзини ишлаётган кўрсатиб, аслида ишни бузиш, бўшаштириш; ишга зимдан ёки ошкор қаршилик кўрсатиш. *Саботаж қилмоқ.*

САБОТАЖЧИ Саботаж билан шуғулланувчи (одам), саботаж қатнашчиси. -*Умар ака масаласида келдим, — деди Анорхон.. Комилжонга қараб. — Уйида ётиб олибди. Калламни олсангиз ҳам, муҳрни топширмайман, деяпти. -Кўрдингизми? — деди у Муродовга қараб. — Ўчакишини қаранг! Нима қилса бўларкан бу саботажчини?* И. Раҳим, Ихлос.

САБОТКОР [*а.* + *ф.* ثباتكار — бардош берувчи, чидамли] *кт.* Саботли, мустаҳкам иродали. *Саботкор қўшин. Саботкор халқ.*

САБОТЛИ 1 Ўз сўзида, маслагида қатъий турувчи, мустаҳкам иродали; турғун, собитқадам. *Саботли одам. Салобатли бўлма, саботли бўл.* Мақол.

2 Зўр бардошли, чидамли, матонатли. *Севгимиз ширин, тотли, Лаззатин бирга тортдик. Ҳижронга берган бардош Мен эмасми саботли.* Ғайратий.

3 *айн.* **қунтли.**

САБОТ-МАТОНАТ [сабот + матонат] Мустаҳкам ирода, сабр-бардош. *Сабот-матонат билан курашмоқ.* ▬ *Қобилнинг сабот-матонати унинг хўжайинларини мамнун қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САБОТСИЗ 1 Ўз сўзида, ваъдасида қаттиқ тура олмайдиган, иродаси бўш, айнамачи. *Олимжон.. баъзи сўзида саботсиз зиёли ва очиқ фикрларнинг ҳеч бирига қўшилмас.. ўз маслак ва матонатини, ёш бўлса ҳам, қўлдан бермас эди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Қийинчиликларга чидамсиз, бардошсиз. *Саботсиз одам.*

3 *айн.* **қунтсиз.**

САБОТСИЗЛИК Ўз сўзида, ваъдасида қатъий тура олмаслик, чидамсизлик; иродасизлик. *Ҳатто падаркуш Абдуллатиф ҳам унинг саботсизлигидан, унга титраб-қақшаб ялинишларидан жирканади.* «ЎТА».

САБОҚ [*а.* سبق — тортишув, мусобақа] **1** Дарс, машғулот, билим, фан. *Сабоқ бермоқ. Сабоқ олмоқ.* ▬ *Уларнинг ҳар бири ҳар хил синф ўқувчиси бўлгани ҳолда, бир синфда ўтириб сабоқ олишлари бир-бирларига халақит бермайди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Бундан ташқари, болалар ҳисоб (тўрт амал) ўрганар, машшоқлик, қўшиқ айтиш бўйича ҳам сабоқ олар эдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *эск.* Дарсда (ўқувчиларга) бериладиган вазифа, топшириқ. *Алишер қўл қовуштириб келиб, устод олдида тиз чўкди ва сабоғини ўқий бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

3 *кўчма* Ибрат, ўрнак, намуна бўладиган, ҳаёт тажрибасини оширадиган иш, ҳаракат, воқеа-ҳодиса. *[Фазлиддин:] Бегим шарму ҳаёдан сизу бизга сабоқ беришга қодирлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қора мавр ўғли — телба Отелло Буюк садоқатдан бермоқда сабоқ.* Х. Даврон. *Бошга тушган мусибат бева учун сабоқ бўлди.* Газетадан. *Тарих — доно муаллим ва ҳикматли сабоқ берувчидир, дейди мутафаккирлар.* Газетадан.

Тарих сабоқлари Тарихда бўлиб ўтган, эсда қоладиган ва ўрнак бўладиган, тўғри, керакли хулоса чиқаришга ёрдам берадиган воқеа-ҳодисалар.

САБОҚДОШ *эск.* Бирга ўқиган, сабоқ олган киши; мактабдош. *Мадрасанинг ҳовлисига кирсам, сабоқдош шерикларимдан бир нечаси пиқиллашиб йиғлашиб ўтиришибди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Аммо [Анварнинг] айниқса хуш кўрган кишиларидан биринчиси Раъно ва иккинчиси мактабдаги шогирдлардан сабоқдош шериги Насим исмли бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

САБОҲ [*а.* صباح — эрта тонг, саҳар] Эрта тонг; субҳ, субҳидам. *Сизга белгилидирки, сабоҳга қадар қошимда шам ёғдуси, давот-қаламнинг зарурлигини изоҳлашга ҳожат йўқ.* Ойбек, Навоий. *Гоҳо сабоҳ ели шивирлаб менга, Мардлигингдан сўйлаб кетади.* Т. Тўла.

САБР [*а.* صبر — чидам, бардош, ирода, қатъият] **1** Бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш, қаноат қилиш; ўзини тийиш. *Сабр таги — сариқ олтин.* Мақол. ▬ *Банда деганнинг сабрдан бошқа чораси йўқ.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш. -*Осонми, айланай, — Эътибор опа ёстиқни Эъзозхоннинг биқинига суриб қўйди. — Тағин ҳам темир экансиз. Сабрингизга балли, гиргиттон!* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Сабр — инсон иродасининг тожи! — деди Жўрахон Мажидга.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

Сабр косаси тўлмоқ Ортиқ чидаш ёки кутишга тоқати қолмаслик, тоқати тоқ бўлмоқ. *Халқнинг сабр косаси тўлди.* С. Сиёев, Аваз. **Сабр қилмоқ** Тоқат, чидам билан кутмоқ. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, Сабрсизлар ўз оёғидан йитар.* Мақол. ▬ *Замонага қараб, яна тўрт-беш йил сабр қилиш зарур бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Сабри чидамаслик** Сабр қилолмаслик. *Бир оз орқамни ўгириб, индамай ётдим, у ҳам чурқ этмади. Сабрим чидамади, қайрилиб қарадим.* Ойдин, Ҳикоялар. *Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришга сабри чидамай, идорадан чиқди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса**.**

САБР-БАРДОШ, сабру бардош *қ.* **сабр 1-2.** *Ҳар бир ишда сабр-бардош керак.* ▬ *Аммо у сабр-бардошнинг ҳам чегараси борлигини аллақачон билиб олган, шу боис китоб саҳифаларидан термулиб турган ўзи каби одамларнинг.. ташвиш-изтиробларининг энди унга қизиғи йўқ эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

САБРЛИ 1 Оғир-вазмин, босиқ, ўзини тия биладиган, қаноатли, чидамли, тўзимли. *Сабрли одам.* ▬ *Қуръоннинг бир неча оятларида мусулмонларнинг сабрли бўлишларига даъват бор.* «ЎзМЭ».

2 *айн.* **қаноатли.** *Онам диний, дунёвий китобларни ўқиган, саводли, ниҳоятда сабрли, меҳру оқибатли аёл бўлган.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

САБРЛИЛИК Сабр-бардошли бўлишлик. *[Домла ўз-ўзига:] Ҳурматли китобларда айтадилар: «Сабрлилик — худонинг ояти, сабрсизлик — шайтонининг сифати».* Ҳамза, Танланган асарлар.

САБРСИЗ 1 Бесабр, бетоқат, шошма-шошар. *Катта бир қувончдан Зиёданинг кўзлари ёниб, ўзи эса сабрсиз талпиниб турарди.* А. Мухтор, Асарлар.

2 *айн.* **қаноатсиз.**

САБРСИЗЛАНМОҚ Сабр қилмаслик, бетоқат, безовта бўла бошламоқ. -*Шошма, Нури,* — *сабрсизланиб шивирлади онаси.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Ориф ака*] *Онабибининг йиғлашга шайланиб, учиб турган лабларига тикилганча.. жонсараклик билан сабрсизланарди.* А. Мухтор, Чинор. *Кимдир сабрсизланиб, соатга қараса, кимдир асабий ҳолатда у ёқдан бу ёққа юриб турибди.* Газетадан.

САБРСИЗЛИК Сабр қилмаслик; бетоқатлик. *Ориф аканинг бу ерга келишига, аллақандай ички, ҳазин сабрсизлик билан рози бўлишига яна бир нозик сабаб бор эди.* А. Мухтор, Чинор.

САБР-ТОҚАТ, сабру тоқат Чидам, қаноат, бардош. *Марям ақлу идроки, сабру тоқати билан бузилган оилани қайтадан обод қилди.* К. Яшин, Ҳамза.

САБР-ТОҚАТЛИ Чидамли, қаноатли, тўзимли, оғир-вазмин. *Зуҳуржонга қойилман. Шунчаям сабр-тоқатли бўладими киши, десам, Абдуқаҳҳор ака оғир уҳ тортиб олди: -Шу сабр-тоқат ҳам етмасмикин деб қўрқаман-да.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

САБР-ҚАНОАТ, сабру-қаноат Чидам, бардош, тўзим. *Зиёфат, албатта, тўкин-сочин бўлади. Мана шу ерда.. сабр-қаноатга чақириш.. ваъз-насиҳатлар сўзлаш масалалари музокарага қўйилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сабр-қаноат қил, эвазига худо сенга бахт ато қилади. Сабр қил, Ҳамроқул, сабр қил.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

САБР-ҚАНОАТЛИ Сабр-қаноати бўлган; сабрли ва қаноатли. *Илм-таҳсил — сабр-қаноатли одамнинг иши.* Ойбек, Навоий.

САБР-ҚАРОР, сабру қарор Сабру тоқат, тўзим, сабот. *Сабр-қарори йўқ одам.* ▬ *Бормасам, қолмайди сабру қарорим, Тушимда кўрингай гул ёзли ёрим.* «Нурали».

САБУР [*а.* صبر — алоэ] **1** *айн.* **алоэ.**

2 Алоэ барги ширасини қуритиб олинадиган дори. *Сабур — алоэ баргидан олиниб, қуритиладиган шира.* «ЎзМЭ».

САБУҲИЙ [*а.* صبوحی — тонгга алоқадор, эрталабки] *эск. поэт.* **1** Тонгги, тонг вақтидаги. *Суйганинг лабида реза тер каби Унда титраб турар сабуҳий шабнам.* Ғ. Ғулом.

2 Хуморни ёзиш учун эрталаб май ичиш; эрталаб ичилган май.

САВА *айн.* **саба.** *Ёлғиз ёғоч пана бўлмас, Ёлғиз бияга сава тўлмас.* Мақол. ▬ *Қимиз — дори деган неча тақконлар, Чайиб бергин сава билан кўнакни.* «Алпомиш».

САВАЛАМОҚ 1 Хивич, қамчи, таёқ, гаврон каби нарсалар билан устма-уст урмоқ, калтакламоқ. *Кекса подачи шўхлик қилган молларни гаврон билан савалаб, узун таёғини унда-мунда қўйиб кетмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Икки навкар икки тарафдан ўткинчини ҳам, ёшу қарини ҳам аёвсиз савалаяпти.* С. Сиёев, Аваз. -*Қулоқсиз*

болани яхшилаб савалаш керак, — деди-да, бир кўзини қисиб қўйди отаси. «Ёшлик».

2 Зарба бермоқ. *Душманни саваламоқ.*

3 Шиддат билан ёғмоқ, тинимсиз қуймоқ (ёмғир, қор, дўл ҳақида). *Ёмғир савалаган сайин чанг-ғуборли атроф-жавониб тобора мусаффолашмоқда, файзиёб бўлмоқда эди.* «Ёшлик». *Унинг [Элмуроднинг] қулоқларини ёмғир аралаш муздек майда дўл савалай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Машина қайиқдай чайқалар, қор олд ойнани аямай саваларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

4 *кўчма* Танқид қилмоқ, камчиликларни рўйирост айтмоқ. *Уни [Шерзодни] мажлисда роса савалашди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Мухбирларга рост гапни айтиб бўладими? Роса савалашади [деди кассир].* Газетадан.

САВАМ Бир марта саваш учун лойиқ ёки бир савашда чиқарилган пахта ёки жун. *Бир савам пахта.* ▬ *Ҳар қизнинг олдида бир савам пахта..* Ойбек, Навоий. *Ҳув анави, бир савам пахтадай оппоқ булут парчаси қирраларига шафақ акси уриб турибди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САВАМОҚ 1 *айн.* **саваламоқ.**

2 Саваҳич билан саваб титмоқ, юмшатмоқ (пахта ёки жун ҳақида). *Пахта савамоқ.* ▬ *Устахонага дам-бадам той пахта олиб ўтадиган аравакаш.. пахта саваб ўтирган қизларга тегишган бўлиб, ашуласини мавридидан бурун авжга кўтаради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Хира ёмғир пардасидан тикилганда, қаричга келиб қолган яшил ғўза тупларини жала, худди саваҳичда юнг савагандай, қаттиқ савалаётганини кўриш мумкин эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

САВАННА [*исп.* sabana < *индейс тилларидан*] Африка, Жанубий Америка, Шимоли-Шарқий Австралия ва Жанубий Осиёда: ўсимликларнинг тропик ўрмонлар ва саҳролар оралиғида тарқалган минтақавий типи; унда баланд, бўлиқ ўтлар орасида ҳаккам-дуккам ёки тўп-тўп дарахтлар ҳамда буталар ўсади. *Чўчима, раққоса! Тамтам сасидан Энди янграб кетсин саванналар ҳам.* Ҳ. Шарипов, Қуёшга ошиқман. *Иссиқ поясдаги чўллар саванналар деб аталади.* «География». *Менинг кўз ўнгимда товланди ҳатто Беқарор Африка саванналари.* М. Кенжабоев.

САВАТ [*ф.* سبد — тўқима халта, сават] Тол, тут, юлғун новдалари, буғдой пояси, сим, пластмасса ва ш.к. дан тўқиб тайёрланган рўзғор буюми, идиш. *Патнисларда, тоғораларда, саватларда кулча, қовурма чучвара, вараҡи, қатлама ва бошқа ҳар нав мева-чевалар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўртанча овсин айвонни супуриб бўлиб, сават кўтариб, кўчага чиқиб кетиши билан қолган олти овсин супага чиқишди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Директор, столида турган қоғозни йиртиб, бурчакдаги саватга ташлади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

Сават қалпоқ Эзиб юмшатилган буғдойпоя ва ш.к. нарсалардан тўқилган қалпоқ. *Шу вақт отлиқнинг сават қалпоғи тагидан билакдай йўғон икки ўрим сочи тушиб кетиб, елкасида осилганича қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

САВАТБОШ Сочи саватдек ҳурпайган, пахмоқ соч. *Ҳалиги саватбош одам одамлар орасига кириб, бир зумда ғойиб бўлди.* Газетадан.

САВАТЧИ Сават тўқиб сотувчи одам.

САВАТЧИЛИК Сават тўқиш ва тайёрлаш билан шуғулланиш; бадиий ҳунармандлик тури.

САВАЧЎП *шв.* Саваҳич. *Ашурмирзо савачўпдай ингичка бармоқли панжани қисди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўк қарға шоҳи кўйлакнинг кўк этаги остидан чиққан савачўп сингари оёқлари доим гавдасидан кейинда қолиб, мувозанатни сақлашга шошилади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

САВАШ 1 Савамоқ 1 фл. ҳар. н. *Пахта саваш.* ▬ *Норхўжа хотинининг бузоқни савашига индамай қараб турди.* «Ёшлик».

2 *фольк.* Уруш, жанг. *Саваш бўлса, тортилади парли ёй..* «Муродхон». *Душман келса, ундан сўнг саваш қилсак, Шердай бўп, Авазни ўртага олсак.* «Гулнорпари».

САВАШМОҚ 1 Савамоқ фл. бирг. н.

2 *фольк.* Урушмоқ, жанг қилмоқ. *«Қани, полвон бўлсанг, майдонга чиқ, келинглар, савашамиз, куч синашамиз!» — дейди.* «Муродхон». *Мард ўғлонлар душман билан савашар.* «Ҳасанхон».

САВАҚ Дум, банд. *Олма саваҳидан узилар.* Мақол.

САВАҲИЧ I Пахта, жун каби нарсаларни саваш учун ишлатиладиган бир жуфт узун, ингичка таёқ ёки чивиқлар дастаси. *Саваҳич билан пахта савамоқ.* ▬ *Осмон тўла паға-паға булутлар, худди саваҳичдан қоч-*

ган пахтадек титилиб, кўкни қоплаб олишган. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

САВАҒИЧ II *от* **1** Қамишсимон бўғимли, ичи пўкаксимон моддадан иборат сув ўсимлиги. *Низомжон саваѓичнинг бунақа ўсишини билмасди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *от* Саваѓич ўсимлигининг пояси. *Ҳужрадан иккита саваѓич топдим-да, ростакам катта варрак ясашга тушдим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

3 *сфт.* Саваѓичдан ясалган, саваѓичдан тайёрланган. *Бу иккиси қоғозга шодлангандек, гап-сўзсиз, саваѓич қаламни қир-қир қоғоз устида юритиб турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Салимхон токчадан довот билан саваѓич ручкани олиб, хонтахтага қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САВАҒИЧЗОР Фақат саваѓич ўсган ер, саваѓич босган жой. *Куйган ерлар тугаб, ғужғуж бўлиб ўсган саваѓичзор бошланди.* С. Аҳмад, Уфқ.

САВДО I[*ф.* سودا – олди-сотди, савдо-сотиқ; олди-сотди битими] **1** Товарни сотиш, айирбошлаш билан боғлиқ бўлган икки томонлама муносабатга доир муомала; олди-сотди, савдо-сотиқ. *Савдо ходими. Савдо корхонаси. Ташқи савдо.* ▬ *Бир куни қайнотаси Ёдгорга маслаҳат солди: -Қачонгача қишлик-қировлик кунлардаям лой чангаллаб юрасиз. Савдога киринг. Савдода гап кўп.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ўзингизга маълум, савдо аҳли зарарни ёқтирмайдиган, фойдаталаб халқ бўлади.* К. Яшин, Ҳамза. *Бирорта одам савдо соҳасида ишласа, дарров одамларнинг мияларига эгри фикр келади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Олди-сотди муомаласида молнинг нархи тўғрисидаги тортишув. *Бозорнинг ўртасида қовун-тарвузлар уюлиб ётибди. Савдо авжида.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 *кўчма* Савдо-сотиқдан тушган пул. *Бугунги савдо юз минг сўмга етди.*

Умр савдоси Ўғил уйлантириш, қиз узатиш ҳақидаги келишув. *Умр савдоси – қийин савдо.* Мақол. ▬ *Мен умр савдоси ишида ихтиёрни [Ҳайдаралининг] ўзига қўйиш лозимлигини ва Ҳайдарали бу соҳада янглишмаганлигини айтиб, бўлажак келинни таърифладим.* Т. Тўла, Чақар.

САВДО II [*а.* سوداء – (қора) сафро, ўт] **1** Инсон ҳаётида учрайдиган ғам-ташвиш, машаққат ва кулфат, мушкул ҳолатлар. *Низомжон ўз бошига тушадиган савдоларнинг худди шу дақиқадан бошланишини қаёқдан билсин.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳар савдога кўнади банданинг боши, Тўкилар куйганнинг кўзидан ёши.* «Юсуф ва Аҳмад». *Гулноз Лабзак ариғи бўйлаб.. елиб борар экан, уруш ўз бошига солган савдоларни ўйлар эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Мен бўлсам кўзимни қайгадир тикиб Ўйлардим: дунёнинг савдоси шуми?* А. Орипов.

2 Бирор нарса, кимса дардига ўта берилиш ҳолати. *Ишқ савдоси. Айрилиқ савдоси.* ▬ *Ҳамиша хавфда кўнглум бу муҳаббат интиҳосидин, Мени ҳам этмаса мажнун дебон Раънонинг савдоси.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Дунё экан.. Ишқ деган савдо Борми фақат менинг бошимда?!* Э. Воҳидов.

Фарзанд савдоси Фарзанд туфайли ёки фарзанддан айрилиш натижасида бошга тушган ғам-ғусса, ташвиш. *Сени адо қилмиш фарзанд савдоси, Эгнингга кийибсан мотам либоси.* Миртемир, Асарлар.

3 *эск. тиб.* Инсон аъзосидаги тўрт хил суюқликнинг бири. *Ибн Сино савдойилик касалини савдо хилтининг ошиб кетиши натижасида пайдо бўладиган руҳий касаллик дейди.* «Фан ва турмуш». *Табобатда инсон аъзоларида тўрт хил суюқлик бўлиб, булар – қон, сафро, балғам ва савдодан иборат.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

САВДОГАР [*ф.* سوداگر – савдо қилувчи, тижоратчи] Хусусий савдо-сотиқ билан шуғулланувчи, савдо-сотиқни касб қилиб олган киши. *Йирик савдогар. Майда савдогар.* ▬ *Қўқон савдогарлари фақат Туркистондагина эмас, балки Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланар эдилар.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳар кун мол нархи ошади, бозорда савдогарларнинг қулоғи тиккайган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Майда савдогарлар сақич, гилвата сотишарди.* И. Раҳим, Ихлос.

САВДОГАРЛИК Савдо-сотиқ билан шуғулланиш, савдогар касби. *Мирзакаримбой болалик чоғиданоқ ота касби – савдогарликка ўрганди, гилам навларини ажратадиган бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

САВДОГАРЧИЛИК *айн.* **савдогарлик**. *[Фазлиддин:] Ҳар бир иш ўз вақтида ярашади, лекин ўшанда ҳам дўконга эрта бориб, кеч қайтаман. Савдогарчиликнинг таомили шу.*

Ойбек, Танланган асарлар. *[Қушбеги:] Марғилонга нима юмуш билан келган эдингиз? [Отабек:] Савдогарчилик билан, тақсир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САВДОЙИ [*а.* سوداوى – дилгир, дилгирликка мойил; маъюс, ғамгин] **1** Ақлдан озган, телба. *-Жинни бўлибсан! Савдойи бўлиб қолибсан! – деди Салимхон Обидий унга [хотинига].* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳали оқ-қорани танимаган йигитча бу қийинчиликлар, виждон изтироблари олдида савдойидек каловланиб, тақдирнинг аёвсиз ўйинларидан гаранг бўлиб қоларди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Бирор кимса, нарса дардида эс-ҳушидан айрилган. *Унинг [Саломатнинг] кўйида савдойи бўлиб қолган эдим.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Хотинлар: -Бечора чол! Суюкли қизидан айрилиб, савдойи бўлиб қолди! – деб пичирлашар эди.* О. Ёқубов, Излайман. *[Бўронбой:] Ишқ дарди бедаво дард: рўйирост гапирсам, ишқ йўлида савдойи бўлганман.* К. Яшин, Ҳамза.

САВДОЛАШМОҚ 1 Молнинг нархи ҳақида тортишиб, ўзаро келишмоқ. *Узоқ савдолашувдан кейин Баширжон яна йигирма беш сўм чиқариб берди.* Н. Аминов, Суварак.

2 Умуман, бирор олди-берди ҳақида келишмоқ. *Аҳмад ака уйда экан. Совчилар билан узоқ савдолашди.* «Муштум».

САВДОЛИ Ташвишли, мушкул. *Айрича кўрингай ҳар касга дунё, Борлиқнинг савдоли ишларин ўйлар.* Р. Парфи, Кўзлар.

САВДО-СОТИҚ Олди-сотди муомаласи. *Бозор сотувчи ва олувчилар билан гавжум, савдо-сотиқ ишларини терим мавсумида далага кўчириш ғоятда муҳимдир.* Газетадан.

САВИЛ *с.т. қ.* **сабил**. *Бу савил [эшак] ҳам эгасига ўхшаб жуда ўжар экан, ҳаливери ётадиган чўти йўқ.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Бу савил уйда ё укангиз туради, ё мен!* О. Ёқубов, Пьесалар.

Жони савил *айн.* **жони сабил** *қ.* **сабил.** *Нене йигитлар ҳалок бўлиб кетишди. Мен бўлсам, жоним савил эканми, билмадим, ҳалиям юрибман.* О. Ёқубов, Излайман. **Савил қолмоқ** *айн.* **сабил қолмоқ** *қ.* **сабил.** *Бу савил қолгур ола мушук қуймоқни еб қўйибди-ку.* «Олтин олма».

САВИЯ [*а.* سويّه – тенглик, бараварлик] Шахс, нарса ёки ҳодисанинг сифат, тараққиёт даражаси. *Илмий савия. Маданий савия.* ▬ *Таржималари оригинал даражасида фасиҳ ва мукаммал, яратган асарлари эса ўзи таржима қилган авторларнинг ижоди савиясидай юксак, кўламдор.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

САВЛАТ [*а.* صولت – куч-қудрат, қувват; зўрлик; ҳокимият] Улуғвор ташқи қиёфа, салобатли кўриниш, салобат, маҳобат. *Уста унинг елкаси, савлати, ғайрати, куч-қувват ёғилиб турган вужудига ҳавас билан боқди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Пўлат полвон дегай номин халойиқ, Иши ҳам савлати номига лойиқ.* Ҳабибий, Девон.

Савлат тўкмоқ Бутун савлати билан кўзга ташланмоқ. *Умар полвонга энди бари бир бўлгани учун совуққонлик билан қоядай савлат тўкиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. **Савлатидан от** (*ёки* **ит**) **ҳуркади** Жуда савлатли; салобати одамни босади. *Эрталаб келсам, хонага одам сиғмай кетибди, ҳар олимларки, савлатидан от ҳуркади денг.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 *кўчма* Кўрк, ифтихор. *Ўсмирлар – давлатимиз, Кексалар – савлатимиз.* Қ. Муҳаммадий.

САВЛАТДОР [*а.* + *ф.* صولتدار – савлатли, савлатга эга] Савлатли; серсавлат. *Столнинг тўридаги стулда кўринишидан озғин, сочлари юқорига таралган, савлатдоргина киши ўтирибди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

САВЛАТЛИ Улуғвор кўринишли; серсавлат. *Савлатли киши. Савлатли бино.* ▬ *Қарасам, ўн қадамча нарида савлатли бир йигит турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САВОБ [*а.* ثواب – ажр, эваз, мукофот; хайрли, эзгу иш] **1** *дин.* Диний эътиқодга кўра, худонинг марҳаматига лойиқ иш ва шундай иш учун худонинг марҳамати. *[Ёрмат:] Нима иш қилдим? Гуноҳми, савобми?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзгаларга беминнат қилинган холис ёрдам; яхши, эзгу иш. *Дўстларим, қилманглар бағримни кабоб, Ғарибнинг кўнглини овламоқ – савоб.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. [*Давлатёр:*] *Бир есир-бева. Томини кураб берай, савоб бўлар..* П. Турсун, Ўқитувчи.

САВОБЛИ Савоб бўлувчи, худонинг марҳаматига сазовор бўладиган. *Ўғлим, дунёда халқнинг раҳматидан ҳам савоблироқ нарса борми?* Уйғун, Асарлар.

САВОБТАЛАБ [савоб + талаб] Савоб иш қилувчи, савоб ишдан қайтмайдиган. *Йўлдош мусофир камсуқум, меҳнаткаш, бировга*

озори йўқ, савобталаб киши эди. С. Сиёев, Аваз. *[Абдураҳмонни] ..маҳалла кексаларидан иккита савобталаб чол дарвоза ёнида кутиб олдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

САВОД [*а.* سواد – қоралик; қоралама ёзув; ўқиш-ёзишни билиш] **1** Ўқиш-ёзишдан хабардорлик; хат-савод. *Анвар «тахта»дан ўқиш бошлади, зеҳнининг тиниқлигидан бўлса керак, ўн бир ёшида саводи чиқаёзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мана, 3-синф саводимиз бор, ўқиш-ёзишни биламиз.* «Ёшлик».

2 Бирор соҳа бўйича энг зарурий билим, маълумот. *Ҳуқуқий саводнинг мукаммаллиги давр талабидир.* Газетадан.

3 Умуман, билим, тушунча, тажриба. *-Саводингизни анча чиқариб қўйишибдими? -Ким? -Билмасам. Домлангиз. Домлаларингиз. -Менинг домлам йўқ, домлам – икки кўзим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

САВОДЛИ 1 Ўқиш-ёзишни биладиган, саводи бор. *Ҳамза болаларнинггина эмас, катталарнинг ҳам саводли бўлишини истарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мен сизни ўқитиб, саводингизни чиқариб қўяман. Сиз юртингизга саводли бўлиб борасиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Билимли, маълумотли; кўп ўқиган, мустақил фикрловчи. *Онам диний-дунёвий китобларни ўқиган, саводли, ниҳоятда сабрли, меҳру оқибатли аёл бўлган.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Саводли ўз ҳақини таниган бўлади, бинобарин, уни алдаш осон бўлмайди.* К. Яшин, Ҳамза.

САВОДЛИЛИК 1 Аҳоли маданий савияси кўрсаткичларидан бири: оддий матнларни ўқий олиш ёки уларни ўқиш ва ёза олиш кўникмасига эгалик.

2 Одамнинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келадиган оғзаки ва ёзма нутқ малакаларига эгалиги.

3 Муайян соҳа бўйича етарли билимга эгалик. *Техник саводлилик. Ҳуқуқий саводлилик. Тиббий саводлилик.*

САВОДСИЗ 1 Ўқиш-ёзишни билмайдиган, саводи йўқ. *-Ахир улар саводсиз-ку, газетани нима қилишади? – кулди Каримбой.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Етарли билими, маълумоти йўқ. *Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига куяман! Сенга ўхшаган саводсизлар «бўса-бўмаса» дейди.* А. Қаҳҳор, Санъаткор.

САВОДСИЗЛИК Саводга эга эмаслик, саводи йўқлик. *Санъаткор тажанг эди: ..бир тракторист уни саводсизликда айблади.* А. Қаҳҳор, Санъаткор. *Саводсизлик қурсин, болам бечора хат ҳам ёзолмайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САВОДХОН [савод + *ф.* خوان – ўрганувчи, ўқувчи] **1** Ўқиш-ёзишни биладиган, хат-саводли. *Саводхон одам.*

2 *айн.* **саводли 2**. *Асарда Ҳасан овчининг опаси сифатида гавдаланадиган бу отин ўша даврдаги тақводор, анчайин саводхон, тўй-маъракаларни бошқарадиган аёллар типининг умумлашма образидир.* «ЎТА».

САВОДХОНЛИК *қ.* **саводлилик.** *Аслида, саводхонлик ҳар бир босқичда такомиллаштира борилиши лозим.* Газетадан.

САВОЛ [*а.* سؤال – сўроқ; илтимос] **1** Жавоб олиш учун айтиладиган гап, жумла; сўроқ. [*Васила Назаровна*:] *Сен менинг саволимга жавоб бер, ким у?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Жуда яхши савол! – деди Иброҳимов, – қани, бу саволга ким жавоб беради?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Савол аломати *эск.* Сўроқ белгиси. *Савол аломати ҳамма вақт «ми» дан кейин қўйилади десам, кулади.* А. Қаҳҳор, Адабиёт ўқитувчиси. *Етти оғайни ҳам кўкда ногаҳон Савол аломати бўлиб кўрингай.* А. Орипов.

2 Имтиҳон билетида ёзиб қўйилган, жавоб бериш лозим бўлган мавзулар номи ёки машқ, масала. *Иккинчи қаторга бориб ўтирганидан кейин машинкада ёзилган саволларни ўқиди: 1. Жоуль- Ленц қонуни. 2. Резонанс. Учинчи савол электромагнит майдони ҳақидаги масала эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Ечилиши лозим бўлган масала, муаммо. *Бугунги йиғилишимизда иккита саволни ҳал қилишимиз лозим.* Газетадан.

САВОЛ-ЖАВОБ Ўзаро савол бериш ва жавоб олиш тарзидаги суҳбат. *Бу гаплашув ҳам калтагина савол-жавобдан иборат бўлди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Дўстлар пайрови мос келган савол-жавобдан завқланиб кулишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

САВОЛЛИ Савол ифодалайдиган; сўроқли. *Саволли гап. Саволли назар.* ▬ *Унинг саволли қараши юрагига ғулғула солиб қўйди.* «Ёшлик».

САВОЛОМУЗ [савол + *ф.* آمیز – ўхшаш, каби] Саволни ифодаловчи, саволли; савол

тариқасидаги, савол маъноси билан. *Шербек Саидғозига саволомуз боқди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қирмизхон кириб, унга [бошлиққа] саволомуз қаради.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

САВР [*а.* ثور – буқа, ҳўкиз] **1** (С – *катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Ҳамал ва Жавзо буржлари ўртасида жойлашган.

2 Шамсия йил ҳисобида иккинчи ойнинг арабча номи (22 апрель – 21 май даврига тўғри келади). *Савр кирди, экинларга давр кирди.* Мақол. ▬ *Момақалдироқ гулдураги, савр ойининг беқарор ёмғирлари юракка тўлқинлик беради.* «Саодат». *Савр эди. Ҳаво ғамзада.* «Ёшлик».

САВСАН [*ф.* سوسن] *кт. айн.* **гулсапсар.** *Сабзалар узра мусалсал бўлди сунбул турраси, Бир тараф савсан аросидин равондур облар.* Фурқат.

САВСАР 1 *от* Ўрмонда яшайдиган, қимматбаҳо қўнғир мўйнали йиртқич ҳайвон.

2 *сфт.* Шу ҳайвон мўйнасидан тайёрланган. *У савсар телпагини бошига бостириброқ кийиб олди..* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САВТ [*а.* صوت – овоз, товуш] **1** Ўзбек мумтоз мусиқасида куйининг асосий қисмидан кейин келадиган сўнгги қисми. *Суҳбатимга кўзи шаҳло, қоши ўқ-ёй истарам, Бошга парқу, тингламоққа савти эшвой истарам.* «Муштум».

2 Овоз, товуш, садо. *Созандаю навозандаларнинг ҳам савти унга ёқмас, хушрўй раққосалар ҳам ўйин тушиб, уни овута олмас эдилар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

САВТИЁТ [*а.* صوتيّات] *эск. айн.* **фонетика.**

САВТИЯ: усули савтия Товуш-ҳарф тизими асосида ўқитиш усули. *Ҳамза Қўқонда биринчи бўлиб усули савтияни қўллади.* К. Яшин, Ҳамза.

САВҚ [*а.* سوق – бозор; машинани бошқариш; ундаш, қўзғатиш; майл, хоҳиш]: **савқи табиий** Ички ҳис-туйғу, сезги; майл; интуиция. *Нуҳ бинни Мансур савқи табиий билан ўз ҳузурида улуғ истеъдод эгаси бўлган бир ҳаким ўтирганини пайқади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Бир-бирига ўхшаш кўчаларда боши айланади, ихтиёрини савқи табиийсига топширади.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Анвар Солиев ниҳоят тергов учун жиддий кўргазма чиқаётганини ўзига хос савқи табиий ила ҳис қилди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

САГ [*ф.* سگ – ит] *эск. кт.* Ит, кучук.

Саги об [*ф.* سگ‌آب – сув ити] *эск. кт. айн.* **морж.**

САГБОН [*ф.* سگبان – итбоқар] *эск.* Ит боқувчи.

САД I *қ.* **сад (д)**. *Шаҳр йўллари барчаси бўлди сад, Шаҳрга кирарға чибинға не ҳад.* С. Хондайлиқий.

Сад чекмоқ (*ёки* **боғламоқ, ясамоқ)** *эск. кт.* 1) мустаҳкам девор, тўсиқ, ғов кўтармоқ. *Мавлоно Аёзий бўлғуси ҳужумларга қарши улуғ сад ясамоқдалар ғолибо.* Ойбек, Навоий. *Азамат йигитлар сув билан курашга, унга сад чекишга ажратилар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) йўлини тўсмоқ, бартараф қилмоқ. *Ҳамзанинг бу ишларига ота бўлиб сад чекмагансиз, балки бу шароитга сиғмайдиган ишларда ўзингиз бош бўлгансиз..* К. Яшин, Ҳамза. *Жаноблари огоҳ бўлсинларки, хоинларнинг шаллақиликлари ҳаддан ошгани ҳамон сад чекурмиз.* Ойбек, Улуғ йўл.

САД II [*ф.* صد – юз (сон)] *эск. кт.* Юз. *Худойи таоло бир ўғил ато қилғон эрди, сад ҳайфки.. қизамиқ деган касал бирлан қазо қилди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Сад офарин қилиб келган ҳийлангга.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

Сади пок Қиш даврининг тўлиқ 100 куни (90 кун қиш ва 10 кун баҳор – қишнинг батамом ўтганлигини билдиради). *Бугун 10 март – сади пок бўлди.*

САДА *бот.* Эманлар оиласига мансуб сершох, серсоя дарахт. *Сада соя берар, тол ҳода берар.* Мақол. ▬ *Тўла хола саданинг ғадир-будур пўстлоғини беҳол бармоқлари билан силаб, юзига суртди.* И. Раҳим, Ихлос. *Тош устида кўкарган сада Бошим узра бўлур соябон.* Б. Бойқобилов.

САДАРАЙҲОН Шох-шабба қисми шар шаклида тўп бўлиб ўсадиган райҳон. *У киши райҳонни, айниқса Наманган садарайҳонини жуда хуш кўрарди.* «Гулдаста». *Кўзачада садарайҳону жамбиллар тўрт тарафга ҳид таратиб турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САДАФ [*а.* صدف – марварид чиғаноғи; садаф, дур] **1** Айрим моллюскалар чиғаноғидан олинадиган оқ, ялтироқ дур. *Садафсиз дур бўлмас, Тикансиз гул бўлмас.* Мақол.

2 *сфт.* Садафдан ясалган, тайёрланган. *Зебихон Адолатга миср ипидан тикилган тўн билан олдига садаф тугмалар қадалган нимчани узатди.* С. Зуннунова, Ҳикоялар.

3 *сфт. кўчма* Садафдек оппоқ, ялтироқ. *Гулсум ҳам бошини кўтарди ва садаф тишларини кўрсатиб, илжайиб қўйди..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Юксакдан келасиз, эй тоғ сувлари, Садаф чўққиларнниг юзини ювиб.* Ғайратий.

САДАҚА [*а.* صدقه – хайр, эҳсон, садақа] **1** Тиланчига, муҳтожларга бериладиган хайр-эҳсон. *..Шоқосим паст, аянчли овоз билан бир нималар сўзлаб, ўткинчилардан садақа сўрайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшикдан кириб келган тиланчи садақа сўради.* «Муштум».

2 Худо йўлига, азиз-авлиёларга улардан нажот истаб қилинадиган эҳсон; қурбонлик. *Адолатга қизамиқ чиққанда, эр-хотин уч кунгача киприк қоқмасдан унинг тепасида ўтиришди, қўлларига илинган ҳар бир нарсани унинг бошидан айлантириб, садақа қилиб юборишаверди.* С. Зуннунова, Гулхан.

3 Олувчи назарида садақа бўлиб туюладиган хайр-эҳсон, пул. *Хотинингиз сизни аллақачон унутибди, садақаларингизга муҳтож эмас экан, деб айтинг.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ўтган куни пул юборган эдим, олмабди. «Менга садақа керак эмас, судга бериб, қонуний алимент оламан», деган эмиш.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Бош-кўзидан садақа Сарф қилинган пул, йўқотилган ёки бировга берилган нарса, мол-дунёга ачинмасликни билдирувчи ибора. *Пулига тирноқча ҳам куймасди, болаларимнинг бош-кўзидан садақа, дерди..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Жоним садақа (бўлсин)** Бировга чексиз ҳурмат-эҳтиромни ифодаловчи, «сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман» мазмунида айтиладиган ибора. *Хуш келибсиз, бош устига, султоним, Сиздан садақадир бир ширин жоним!* «Ширин билан Шакар». **Садақа(си) бўлмоқ** Кимсанинг қурбони бўлмоқ; кимса ёки нарсага жон фидо қилмоқ; айланмоқ, ўргилмоқ. *Доно одамга садақа бўлсанг арзийди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Садақаи одам кет** *айн.* **садқаи одам кет** *қ.* **садқа**. *Анзират хола Сидиқжонга «Вой, садақаи одам кетинг, наҳот киши шундай хотинини, шундай болани қўйиб, бу ёқларда юрса!» деганидан кейин чеҳраси очилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Садақаси кетмоқ** *айн.* **садақа(си) бўлмоқ** *Тушунган одамнинг садақаси кетсанг арзийди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

САДАҚАЙРАҒОЧ Шох-шабба қисми шар ёки овал шаклида тўп бўлиб ўсадиган қайрағоч. *Садақайрағоч ва тол шохларида чирқиллашган тинимсиз чумчуқлар.. бўлмаса, гузарни пашша учса эшитиларлик жимлик қамраган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САДАҚАЧИ Садақа сўровчи; тиланчи; гадой.

САД (Д) [*а.* سدّ – тўсиқ, ғов; девор; тўғон] *кт.* Мустаҳкам қалъа ёки шаҳар девори, тупроқ қўрғон.

Садди чиний *тар.* Буюк Хитой девори. **Садди Искандар(ий)** Гўё Александр Македонский қурган афсонавий девор.

САДДИ-БАСТ [сад(д) + *ф.* بست – бирикиш; тўғон] *фольк.* Бўй-баст, қадди-қомат. *Бир-бир босиб, Равшаннинг олдига келиб, садди-бастига, баланд-пастига қараб, «хўп йигит экан», деб Оққиз кўп беҳузур бўлди.* «Равшан».

САДО [*а.* صداء – узоқдан эшитилган товуш; чақириққа жавоб] Товуш, овоз. *Ноғоралар гумбури ва карнайлар садоси яна осмону фалакка чиқди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Кунгурадор шифтлар қарсак садоларидан титраб кетди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Акс садо *қ.* **акс** I. **Садо чиқмади** Гапирмади, индамади. *Бир неча сония ҳеч кимдан садо чиқмади.* С. Сиёев, Аваз. *Лекин бу кун гап шу тўғрида соатлаб давом этса ҳам, Тўғонбекдан садо чиқмади.* Ойбек, Навоий.

САДОҚ Камалак ўқлари жойланиб, белга боғланадиган ёки елкага осиб юриладиган асбоб; тирдон, ўқдон. *Қизларнинг ҳам, йигитларнинг ҳам белларида ўқ-ёй ва садоқларида ўқлари бор эди.* М. Осим, Тўмарис. *Улуғбек елкасидан камонини олди, садоқдан ўқ-ёй олиб, камонга жойлади.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

САДОҚАТ [*а.* صداقت – дўстлик, бирдамлик; самимийлик] **1** Чин қалбдан берилганлик; содиқлик, вафодорлик. *Ўғлон, оқил ҳам мард бўлгин, Мардлик — элга садоқат.* Э. Воҳидов, Нидо. *Гулнор чуқур садоқат ифода этган кўзлари билан йигитга қаради..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Садоқат (хотин-қизлар исми).

САДОҚАТЛИ Чин қалбдан берилган, содиқ; вафодор. *Садоқатли ёр. Садоқатли шогирд.* ▬ *Амирзодам, агар бу мардак садоқатли қулингиз бўлганида, ёмон овоза тар-*

қатган навкарни қўлидан тутиб, доруғага топширмасмиди? П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Агар Миён Башир ҳазратнинг садоқатли биродарлари Миён Қудрат ҳазратдан ўз вақтида имдод келмаганида, сизлар билан озиқ еб ўлтириш насиб бўлмасди.* К. Яшин, Ҳамза.

САДОҚАТСИЗ Садоқати йўқ; хиёнаткор, бевафо. *Садоқатсиз одам.* ▬ *Дастлаб қараганда, ушбу драмада тор оилавий — отаона ва садоқатсиз фарзандлар ўртасидаги муносабатлар қаламга олингандек туюлади.* Газетадан.

САДОҚАТСИЗЛИК Садоқатли, содиқ бўлмаслик; вафосизлик.

САДПОРА [*ф.* صدپاره — юз бўлак, қисм; юзга парчаланган] *поэт.* Пора-пора, чил-чил, юз пора. *Чашма бўйлаб юрар у хомуш, Қайғуси тоғ, қалби садпора.* Миртемир. *Юрагини қилар садпора Йироқлардан келган бир овоз.* А. Пўлкан. *У дилхун, ўзини қайга уришини билмай қолган кезлари кўнглини садпора этадиган аччиқ саволларга жавоб тополмайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САДР I [*а.* صدر — юқори ўрин, олий мансаб; ибтидо; биринчи мисра] *тар.* Вақф ва дин ишлари билан шуғулланувчи амалдор. *Бу шеърни эшитган қозию садрлар, муҳтасибларнинг сочи тикка бўлиб кетди.* П. Қодиров, Авлодлар довони. *У [Навоий] садрлардан бир нечасини йиғиб, вақф ишларининг аҳволи ҳақида маълумот олди.* Ойбек, Навоий.

САДР II [*а.* صدر — қалб, кўкрак; марказ, ўрталик] **1** Қаландарлар зикрида энг жазавали ҳолат. *Ҳаммаси тушиб садрга, Тепиб ётар бир-бирга.* «Ширин билан Шакар». *Қулоқ солинг айтган дурга, Ҳақ деб тушинглар садрга.* «Ширин билан Шакар». *Бирининг қўлида таёқ, бошқасида паншаха, садрга тушаётгандек чайқалишиб, қичқириб келишяпти.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 *этн.* Одатда, йигит, келинчак, бўйга етган қиз ёки энг яқин киши вафот этганда, унинг «қирқ»игача аёллар иштирокида ўтказил(ади)ган мотам одати (бунда марҳумнинг яқинларидан бир ёки бир неча киши даврага тушиб, олд-орқага ёки икки томонга солланиб, йиғи билан таъсирчан иборалар айтиб, марҳумни эслаганлар, қолганлар маълум ҳолатда жўр бўлганлар). *Во тўрам, деб юлиб опти бетини, Тўрам, деб канизлар садр тушади.* «Ойсулув». *Ҳовлида аёллар давра ҳосил қилиб, садр тушади. Бири қўйиб, иккинчиси айтади: «Қуш эдим, қанотимдан айрилдим».* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Ичкарида аёллар онамиз теварагида ҳалқа бўлиб садр тушди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

САДҚА [*а.* صدقه — «садақа» с. дан]: **жоним садқа** *айн.* **жоним садақа (бўлсин)** *қ.* **садақа.** *Ой бориб, омон келгин, Жоним садқа, ёлғизим.* «Оқ олма, қизил олма». **Садқаи кўз ёшинг** Кўз ёшингга арзимайди. **Садқаи одам кет** Одам бўлмай ҳар нарса бўл, одамга ўхшамайсан. *Садқаи одам кетинг-э, айб эмасми?!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. **Садқаи сар** 1) бошдан садақа. *Икки қўй йўқолган бўлса, садқаи сар, китобларда йўқолган нарсани риёсиз садақа деганлар.* С. Айний, Дохунда. -*Майли, пул садқаи сар, — деб ўйлади у.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа; 2) ажаб бўлди (бўлсин), хўп бўлди (бўлсин). *Ўлдирган бўлсангиз, садқаи сар.. Ит деган махлуқ топилади, аммо одам топилмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

САЁЗ **1** *сфт.* Унча чуқур бўлмаган, чуқур эмас (дарё, кўл, ариқ ва ш. к. ҳақида). *Ҳали ёмғирлар бошланмагани учун, анҳор суви тиниқ, лекин тошлари кўриниб турган саёз чеккалари шишадай рангсиз-у, чуқур жойлари кўкимтир-яшил.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Биз, бир эшелон солдат, бепоён даштга тушиб, саёзгина дарё бўйида чодир тутиб ётардик.* О. Ёқубов, Излайман.

2 *рвш.* Юзалаб, чуқурлашмасдан. *Бошлиқ, бир колхоз тракторчиси ўн уч гектар ерни саёз ҳайдагани учун суд уни қайта текинга ҳайдаб беришга.. ҳукм чиқарганлигини айтиб берди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Саёз оққан дарё шағиллайди, деганларича бор экан.* С. Кароматов, Ҳижрон.

3 *кўчма* Мазмунан сийқа, юзаки, ғўр. *Хомхатала асарларга, ғоявий-бадиий саёз буюртмаларга чек қўйиш вақти аллақачон келди.* Газетадан. *[Салимхоннинг] Илми жуда саёз, фақат қақиллаб гапириши бор..* Мирмуҳсин, Умид.

САЁЗЛАНМОҚ **1** Суви камайиб ёки тош, шағал, балчиқ тўпланиши оқибатида таги юзароқ бўлиб қолмоқ. *Баҳор чоғлари тезобликни ҳаддан оширса, кузга яқин [дарёнинг] таги кўринар даражада саёзланиб қолади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 *кўчма* Мазмунан юзаки бўлмоқ. *Фикрингиз саёзланиб қолибди.*

САЁЗЛАШМОҚ *айн.* **саёзланмоқ 1, 2**. *Дарёнинг саёзлашиши.*

САЁЗЛИК 1 Сой, кўл, ариқ, дарё каби сув ҳавзаларининг суви камайиб, таги юзароқ бўлиб қолиши. *Кўлнинг саёзлиги.*

2 Таги унча чуқур бўлмаган, саёз жой. *Саёзликнинг нариги томонидаги дарё тармоғига тушиб кўрган эди, чуқур экан, бўй бермади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *кўчма* Юзакилик, бирор соҳада билим ва маҳоратнинг етарли бўлмаслиги. *Унинг оригинал ижодига тасвирда саёзлик ва сохтакорлик қандай ёт бўлса, таржималари ҳам худди шундай табиий жаранглайди.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Ўқийман, деб икки йил институтга борди, киролмади. Билими саёзлик қилдими ё омади чопмадими..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

САЁҚ 1 Ҳар ерда санқиб, дайдиб юрадиган; дайди. *Саёқ юрсанг, таёқ ейсан.* Мақол. ▬ *Кеча-кундуз кўча-кўйда тентираб юрдим саёқ, Сўзласа жон куйдириб ким, солмадим ҳаргиз қулоқ.* Ҳабибий. *Ҳаммаёқ жимжит. Сой тарафдаги саёқ итларнинг ҳам овози ўчган.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Ёмон йўлларга юрадиган; ахлоқи бузуқ. *Саёқ аёл. Саёқ одам.*

САЁҚЛИК 1 Санқиб юришлик, дайдилик. *-Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор саёқлигимдан жуда ўкинар эдим, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Ахлоқан бузуқлик. *У [Фотима] синглимга ҳар замон ёзган хатида эри ҳақида лом-мим демас, ўзи хоҳлаб текканининг саёқлигидан.. нолишга, очиғи, ор қиларди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

САЁҲАТ [*а.* سياحت — сафар, сайр қилиш; туризм] Дам олиш, ҳордиқ чиқариш, дунёни кўриш мақсадида қилинган сафар. *Кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари кўҳна Самарқандга ҳам саёҳат қилишмоқда.* Газетадан. *Олдинда тағин денгиз саёҳатининг узундан-узоқ беш куни бор.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

САЁҲАТНОМА [саёҳат + нома] Саёҳат таассуротлари ва тафсилотларини тасвирловчи бадиий асар; адабий жанр. *Шоирнинг шеърий асарларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1. Лирика. 2. Ҳажвиёт. 3. Саёҳатномалар. 4. Мактубот.* «ЎТА».

САЁҲАТЧИ Саёҳатга чиққан, саёҳатда юрган одам. *Чет эллик саёҳатчилар.* ▬ *Саёҳатчилар жарликдан ўтиб, тоғ ёнбағрига етдилар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

САЖ(Ъ) [*а.* سجع — қумри, булбул, тўти каби қушларнинг сайраши; қофияли наср] Насрий асарлардаги айрим бўлакларнинг вазн ва қофияда мослашиши; қофияли наср. *Саж(ъ) санъати ишлатилган наср насри мусажжа.. деб юритилган.* «ЎТА».

САЖДА [*а.* سجده — сиғиниш, топиниш; бош эгиб таъзим қилиш] **1** *дин.* Ибодатда ёки сиғинишда тиз чўккан ҳолда пешона ва кўл кафтларини ерга тегизиш. *Шайбонийхон жойнамоз устида саждага бош қўйиб, худога муножот қилар, кўзларига ёш олиб, «Шарманда қилма, парвардигор», деб пичирларди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бўта қайтиб от етаклаб чиққанда, қоровул чопонини ерга ёзиб, саждага бош қўйган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Сажда қилмоқ 1) ибодатда бош қўймоқ; 2) *кўчма* чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқ. *Севган одамингга дунёда тенги йўқ фариштадек сажда қиласан.* С. Кароматов, Олтин қум. *Шу содиқ бевага саждалар қилинг, Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.* А. Орипов; 3) ҳаддан ортиқ берилмоқ; хушомадгўйлик қилмоқ. *Шу билан бирга, раисга сажда қилувчи хушомадгўйлар ҳам озмунча эмас.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

САЖДАГОҲ [*а.* سجده‌گاه — сажда қилинадиган жой] **1** *дин.* Сажда, ибодат қилинадиган жой; қадамжо. *Сиз, бу дунёда неки саждагоҳ бўлса, ялиниб сўрайман, бир лаҳза бўлса ҳам рўшнолик кўринг.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

2 *кўчма* Муқаддас, азиз жой. *Мана ўша уй, мана менинг саждагоҳим.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

САЖИЯ [*а.* سجيّه — туғма сифат, хусусият; хулқ, табиат] *кт. айн.* **характер 1.** *Сажиядагина эмас, сурат ва сиймо важида ҳам катта ўзгаликлари бор эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Рафиқов Обид кетмоннинг сажиясига таажжубланади.* А. Қодирий, Обид Кетмон.

САЗА *шв. айн.* **сазо 2**. *-Яхши йигит кўринасиз, одамнинг сазасини ўлдирманг.. — деди Фотима опа.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Раис сўзида туриб берди-ю, сазасини қайтаролмай, олдим «Москвич»ни.* С. Нуров, Нарвон.

САЗАН *айн.* **зоғора балиқ** *қ.* **зоғора.** *Бу сувларда сом, илонбалиқ, сазан, маринка каби балиқлар сероб.* Газетадан. *Бир куни хонзодалар Амударёга сайрга чиқибди. Отам сазан тутиб пиширибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САЗО I [*ф.* سزا – ажр, эваз, мукофот; қасос, жазо] **1** Қилмишига яраша оладиган танбеҳ, таъзир, дашном. *Деворлар ҳам менга сазо бераётгандек қизардим, ҳеч қаёққа қарай олмадим.* Ойдин, Ҳикоялар.

2 Оний истак; интилиш; раъй, шахт. *Йигитнинг сазоси сингунча, шайтоннинг бўйни узилсин.* Мақол.

Сазосини (*ёки* **сазасини) қайтармоқ** (*ёки* **ўлдирмоқ, ерда қолдирмоқ**) Илтимосини инобатга олмаслик; шахтини қайтармоқ; уялтирмоқ. *Инсоф керак, Асадвой! Қариянинг сазосини ўлдириш яхшимас, оппоқ соқолини ҳурмат қилиш керак.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Қурбон ота унинг суҳбатини хушламаса ҳам, одамнинг юзи иссиқ, ҳамсафар бўлиш тўғрисидаги сазосини ўлдирмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

САЗО II *шв.* Садо, товуш, овоз. *Хотинидан сазо чиқмагач, Соҳиб қори қўлидаги сарпоғларни Холиданинг бошидан ошириб, ичкарига отди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САЗОВОР [*ф.* سزاوار – (жазо, мукофот, мақтовга) лойиқ] Ўз хизмати, саъй-ҳаракати, хулқ-атвори билан ҳурмат-эътиборга, таҳсинга, унвонга, туҳфа-тортиққа арзийдиган; муносиб, лойиқ. *«Не сабабдан.. улуғ султоннинг инъому эҳсонларига сазовор бўлган устод Нажмиддин Бухорийнинг фарзанди бундай қабиҳ экан», деб ўйлади Гавҳаршод Бегим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Диққатга сазовор Кўзга кўринган, эътиборли; машҳур. *Ҳиротнинг диққатга сазовор жойларидан яна бири Ҳирирўдга қурилган Пули Молон бўлиб, унинг атрофидаги ерлар сайргоҳ эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САЗОВОРЛИК Ҳурмат-эътибор, таҳсин, унвон ва ш.к. га муносиблик, лойиқлик. *Ҳурматга сазоворлик. Халқ шоири номига сазоворлик.*

САЗОЙИ [*ф.* سزایی – жазога лойиқ кўрилган] Эл ўртасида шарманда қилинган, жазоланган. *Мени турғизиб. қўлимни орқамга боғладилар. Бозорма-бозор айлантириб, бошимга қамчи билан уриб: «Сазойи киши одам ўлдирсин», – деган гапни баланд овоз билан такрор.. қилар эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Сазойи қилмоқ Гуноҳкор кишига эл кўзида жазо, танбеҳ, таъзир бермоқ (илгари бу мақсадда гуноҳкорларни эшакка тескари миндириб, юзига қора суриб, одам гавжум жойларда айлантириб юрилар эди). *-Бу муттаҳам чойхоначини эшакка тескари миндириб, сазойи қилинглар, – деб ҳукм чиқарибди [Исроилбек].* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

САИД [*а.* سعيد – бахтли, омадли; соз, қулай] *кт.* **1** Бахтли, саодатли.

Соати саид Бахт соати, бахтли соат, он, пайт.

2 Саид (эркаклар исми).

САЙД [*а.* صيد – ов қилиш, тутиш; шикор; овланадиган қушлар, илвасин] *эск.* Ов қилинган нарса: ўлжа. *Найлайин, сайд ўлди холинг донасига жон қуши.* С. Абдулла. *Унинг севгиси дом қўйган овчидай ўз сайдини кўзлаб, бир тош билан икки ўлжани қўлга киритмоқчи.* У. Исмоилов, Сайланма.

Сайд қилмоқ 1) ов қилмоқ, тутмоқ; 2) *кўчма* мафтун қилмоқ, банд этмоқ. *Бир табассум бирла сайд этдинг кўнгилни аввало, Охири нозу тағофил бўлди иш, эй дилрабо.* Ҳабибий.

САЙЁД [*а.* صيّاد – овчи, тутувчи] *эск. кт. айн.* **овчи.** *Тоғларда ирғишлаб ўйнасин оҳу, Уларнинг пойига тушмасин сайёд.* Х. Салоҳ. *Мен бўлибман овчи – элда бир сайёд.* «Гулихиромон».

САЙЁР [*а.* سيّار – доимо ҳаракатланувчи, ҳаракатчан] **1** Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб хизмат қиладиган. *Сайёр кўргазма. Сайёр устахона. Сайёр кино.*

2 Доимий жойдан бошқа ерга бориб ўтказиладиган, уюштириладиган. *Суднинг сайёр мажлиси. Сайёр илмий сессия.*

3 Муқим турар жойидан бошқа жойларда кезиб юриб, иш олиб борувчи. *Сайёр мухбир.* ▬ *Унда-бунда сайёр атторларнинг «ип кетди, игна кетди..» каби қичқириқлари.. шаҳар шовқинига мадад бериб туради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *эск. кт. айн.* **сайёҳ**. *Носирбой ҳам бўш келмайди: -Мен! Номим Носир сайёри Самарқандий.* А. Қодирий, Обид кетмон.

5 Сайёр (эркаклар исми).

САЙЁРА [*а.* سيّاره – планета; автомобиль; карвон] **1** Муқим турар жойи йўқ, дарбадар кезувчи, дарбадар. *Сайдинг қўя бер, сайёд, Сайёра экан мендек.* Фурқат.

2 *астр.* Қуёш атрофида айланувчи ва ундан нур олувчи шарсимон осмон жисми, мас., Меркурий, Венера, Ер, Марс. *Маълумки, замин — Ер сайёраси Қуёш системасида коинотнинг бир кичик бўлаги сифатида пайдо бўлди ва тараққий этди.* Газетадан.

Она сайёра Ер сайёраси. *О, она сайёра, курраи қутлуғ, Самодан суратинг илк бора кўрдим.* А. Орипов.

3 Сайёра (хотин-қизлар исми).

САЙЁҲ [*а.* سیّاح – саёҳатчи, турист] Саёҳат қилувчи; саёҳатчи. *Ҳа, машҳур сайёҳ Колумб кашф қилган тамаки эндиликда бутун дунёни тутунга тўлдириб юборди.* Газетадан. *Бир сайёҳнинг хабарича, Ява оролида бошда бирор нарса кўтариб юриш ман этилган.* «Фан ва турмуш».

САЙИД, саййид [*а.* سیّد – мустақил; ҳукмдор, жаноб; Муҳаммад пайғамбар авлодларидан бўлган мусулмонлар унвони] *дин.* **1** Муҳаммад пайғамбар авлодларига мансуб киши. *Отанг сайид, энанг қандай паризод, Сен шекилли сулув туғмас одамзод.* «Бўтакўз». *Вагондагилар орасида оқ соқолли муллалар, кўк саллали сайидлар, чалмали қариялар, нариги вагонда эса, нуқул аёллар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Эркаклар исмининг таркибий қисми, мас., *Сайидкарим, Сайидолим.*

САЙИЛ [*а.* سیل < سیر – сайр, пиёда юриш, кезиш] **1** *этн.* Баҳорда ўтказиладиган катта халқ сайр-томошалари, сайр-томоша. *Айни баҳор кулган чоғ эди, Сайил жойи сўлим боғ эди.* Э. Воҳидов.

2 Умуман, катта ва тантанали сайр-томошалар. *Халқ сайили. Наврўз сайили. Лола сайили.* ▬ *Халқ шоирлари достонларни турли йиғинлар, тўй ва сайилларда ижро этганлар.* Газетадан.

Сайил боғ Халқ сайиллари ўтказиладиган катта боғ, парк, сайилгоҳ. **Қовун сайли** Қовунхўрлик ва сайр-томоша мақсадида кўпчилик бўлиб далага – қовун полизга чиқиш. *Муҳиддинни бир таниши қовун сайлига олиб кетди.* С. Зуннунова, Ҳикоялар.

3 Сайр-томоша мақсадида айланиб (кезиб) юриш; саёҳат. *Сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил.* Мақол. ▬ *[Зиёдилла:] Сарсонгарчилиги борми, шу баҳона Тарлон икковимиз шаҳарни сайил қилиб келяпмиз.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

САЙИЛГОҲ [*а. + ф.* سیلگاه < سیرگاه – сайил жойи] Халқ сайиллари ўтказиладиган жой, боғ, парк. *Сал юришгач, фавворалар осмонга бўй чўзиб турган салқин, сўлим сайилгоҳ жойнинг олдидан чиқиб қолишди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *..Қий-чув, кулги, қаҳқаҳа сайилгоҳ осмонини қоплади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

САЙИЛЧИ Сайил қилишга чиққан одам. *Сайилчилар роҳат қилиб кулиб қолишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Чор-атроф сайилчиларнинг ғовур-ғувури .. билан тўлиб-тошган.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

САЙИН *кўм.* (*б. к. билан*) **1** ***=ган*** аффиксли сифатдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тобора кучая боришини билдиради. *Шерзод бошқа хонадаги беморларнинг унга ҳасад билан қараётганини сезар, сезган сайин ғаши келар эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Қизининг қийналаётганини кўрган сайин Басранинг касали зўриқарди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

Борган сайин Борган сари, тобора. *Қоронғилик қуюқлаша борар, кўкдаги юлдузлар чамани ҳам борган сайин ёрқинроқ чақнар, ҳаво баданга сезиларли совир эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Вақт билдирувчи сўзлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тадрижий ривожланишини ёки такрорланишини билдиради. *Йил сайин. Соат сайин. Кун сайин.* ▬ *Кун сайин озади юрагим, Кун сайин вужудим семирар.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

Унга сайин Бирор ҳолатдан руҳлана ёки ўчакиша бориб. *Ҳар сафар рақиб унинг тўрига (сеткасига) тўп туширганида, бояги қиз қувониб қарсак чалар, унга сайин Рустам яхшироқ ўйнар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

САЙИС [*а.* سائس – отбоқар, ҳайвонларга қаровчи] **1** *тар.* Ўрта Осиё хонликларида: ҳарбий ва хўжалик эҳтиёжлари учун сақланган отларни парвариш қилувчи шахс.

2 *шв.* Умуман, отбоқар. *Сайислар билади отнинг тобини, Чечан одам гапнинг қўяр бопини.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

САЙИСХОНА 1 *тар.* Сайислар яшаши учун бевосита отхоналар ёнига қурилган махсус уй.

2 *шв.* Отхона. *У дарвозадан кириб, отини сайисхонадаги якка михга боғлади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

САЙИШ: сайиш қилмоқ *айн.* **расад қилмоқ** *қ.* **расад** II.

САЙЙИД *айн.* **сайид**.

САЙЛАМОҚ 1 Яширин ёки ошкора усулда овоз бериш йўли билан давлат ёки ўзини ўзи бошқариш органлари аъзолигига ўтказмоқ, тайинламоқ. *Раисликка сайламоқ. Депутатликка сайламоқ.* ▬ *Уни бир овоздан директорликка сайладилар.* Газетадан. *Қандолатни ҳам президиумга сайладилар.* Ойдин, Ҳикоялар.

2 Танламоқ, танлаб, саралаб олмоқ. *Хоҳлаб менинг тулпорларимдан бировини сайлаб ол, жўнамоқ бўлсанг, яхши бор.* «Муродхон». *Қутлуғ бўлсин сайлаб олган ёрингиз.* «Баҳром ва Гуландом».

САЙЛАНИШ Сайланмоқ ф. ҳар. н. *Президиумга сайланиш. Депутатликка сайланиш. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи. Сайлаш ва сайланишда хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқлидирлар.*

Табиий сайланиш *айн.* **табиий танланиш** *қ.* **танланиш.**

САЙЛАНМА 1 Сайлаб қўйиладиган, сайлов йўли билан белгиланадиган, тайинланадиган. *Сайланма ташкилотлар.*

2 *эск.* Танланган, танлаб, саралаб олинган. *Ёзувчининг сайланма асарлар тўплами.*

САЙЛГОҲ *айн.* **сайилгоҳ.** *Сайлгоҳга Завқий, Ҳамза ва Олчинбеклар ҳам чиққан, оддий халқ орасида туриб, улоқни томоша қилишарди.* К. Яшин, Ҳамза.

САЙЛИ Қовуннинг узунчоқ тухумсимон, туси яшил, пўсти қаттиқ кечпишар нави.

САЙЛОВ Овоз бериш орқали давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва б. тузилмаларни ташкил этиш воситаси. *Сайлов комиссияси. Сайлов участкаси.* ▬ *Бу сайлов янги сиёсий системанинг энг муҳим принциплари — кўппартиялилик ва коалиция принциплари амал қила бошлаганидан далолат беради.* Газетадан. *Сайлов очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.* «ЎзМЭ».

САЙЛОВЧИ Сайловда қатнашувчи (овоз берувчи) киши, сайлов мажлисининг, тадбир-маросимининг иштирокчиси. *Сайловчилар билан учрашув.* ▬ *Сайловчилар боғча қурилиши ҳақида депутатга наказ беришади.* Газетадан.

САЙР [*а.* سير — пиёда юриш; йўл, ҳаракат] Осуда ерларда, оромгоҳ, сайргоҳларда айланиб юриш, томоша қилиш, ором олиш. *Боғ сайри. Гул сайри.* ▬ *Қолмай шаҳарда тоқатим, Қишлоқ чиқардим одатим. Хоҳи яёв, бўлсин отим, Гоҳ сайр ҳам даркор экан.* Муқимий. *Ҳар навбаҳор бу кўкаламзорга ҳиротликлар от-аравада чиқиб, бир-икки кун сайр этиб, ҳордиқ чиқариб қайтишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Чаман булбулларидек сайр этиб гулзору боғларда, Ҳамиша яйраб эркинликда парвоз этгали келдик.* Ҳабибий, Девон. *Қилмадим бир бор ўшал гул юзли зебо бирла сайр, Қонмагай дил, айласам минг битта Лайло бирла сайр.* Э. Воҳидов.

САЙРАМОҚ 1 Ёқимли оҳангдор овоз чиқармоқ, хониш қилмоқ (қушлар ҳақида). *Атрофига эккан тоза шамшод гул, Ҳар шохида сайраб ўтирар булбул.* «Равшан». *Толда чумчуқ сайрайди, Тол баргини чайнайди, Тол барги аччиқ экан, Юракка санчиқ экан.* «Халқ дурдоналари». *Ҳовлидаги ёнғоқнинг тепа шохига қўниб олган зарғалдоқ «биёв-биёв» деб сайрарди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кўчма* Ёқимли, ширали овозда қўшиқ айтмоқ. *Созандалар жўрида хушовоз хонанда булбулдек сайрарди.*

3 Ёқимли, жарангдор овоз чиқармоқ (мусиқа асбоби ҳақида). *Дуторимнинг торлари қўш булбулдек сайрайди.* «Қўшиқлар».

4 *кўчма салб.* Тинмай гапирмоқ, вайсамоқ, жаврамоқ. *Жўралари орасида «ширин сухан»лик билан танилган Олимхон сайрайверди.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Жуда сайраб юбордингиз, бекам! — деди илжайиб Заврак, — сизни бир қадрдон синглим деб ҳурмат қилиб гапирмоқчи бўлган эдим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 *кўчма* Тез, шиддат билан овоз чиқармоқ (пулемёт, миномёт, автомат ва ш. к. ҳақида) *Бир зумда пулемётлар сайраб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

6 *кўчма* Кўзни қувонтирмоқ. *У [қизим] тиккан маҳсиларни қўлингга ол-у, томоша қил — сайрайди-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

САЙРАТМА Яхши сайрайдиган, сайратиш учун боқиладиган (бедана ҳақида). *Сайратма бедана.* ▬ *Сайратмаларнинг ишқибозлари тўрқовоқларини олиб чиқиб, толларга илиб қўйишади, кимники ўзарга ўйнашади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

САЙРАТМОҚ 1 Сайрамоқ 1, 3, 5 фл. орт. н. *Беданани сайратмоқ. Дуторни сайратмоқ. Автоматни сайратмоқ.*

САЙРБОҒ, сайрибоғ *айн.* **сайргоҳ**. *Чамаси, ўн минутча юрилса, салқин ва сўлим сайрибоғ бор эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

САЙРГОҲ [*а. + ф.* سیرگاه – сайр қилинадиган жой] **1** Сайр қилиб айланиб юриш, ҳордиқ чиқариш учун белгиланган жой. *Шаҳримизда сайргоҳлар кўпаймоқда.* ▬ *Майдоннинг кунботар тарафида ўрдани ўраб олган сайргоҳ боғ бор.* К. Яшин, Ҳамза. *Куннинг иссиғида канизлар терлаб, кўҳна сайргоҳга етди.* «Нурали».

2 *айн.* **сайилгоҳ**. *Терим манзараси ажойиб бир сайргоҳни эслатади.* Туйғун, Асарлар.

САЙРОН [*а. + ф.* سیران – сайр-томошалар] *фольк.* Сайрлар, сайр-томошалар. *Кўҳиқофни сайрон, Девларни ҳайрон қилган, Тўхтамиш Қора девнинг Маконин вайрон қилган Гўрўғли қаттоли шудир, Одамхўр баттоли шудир.* Эргаш Жуманбулбул ўғли, Хушкелди. *Қуш солиб овлагин ойдин кўлларни, Сайрон қилгин тар очилган гулларни.* «Равшан».

САЙРОҚ 1 *айн.* **сайроқи.** *[Навоий:] Кўзимнинг нури, кел, тоза гулим, кел! Кўнгил боғида сайроқ булбулим, кел!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Сайраш, хониш. *Мен сизни севаман ялпизлар атри, Қушчаларнинг сархуш сайроғи билан..* Х. Даврон, Тунги боғлар.

САЙРОҚИ 1 Давомли, ёқимли ва кўп сайрайдиган. *Сайроқи қушлар. Сайроқи бедана. Сайроқи чигиртка.* ▬ *Сайроқи қушлар макони, сарин еллар ардоқлиси бўлган боғлар энди хунук манзара касб этган эди.* Р. Умаров, Дўрмон боғлари.

2 *кўчма салб.* Кўп гапирадиган; вайсақи, сергап. *Сайроқи хотин.*

САЙР-САЁҲАТ, сайру саёҳат Сайр ва саёҳат, сайр ва саёҳатда кезиш. *[Зикриё қори:] Гулчеҳрахоним озод Туркистонни сайр-саёҳат қилиш иштиёқи билан бизга меҳмон бўлиб келганлар.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

САЙР-ТОМОША, сайру томоша Сайр ва томоша; сайр-томоша қилиб кезиш, айланиш. *Бенарвон кўкка чиқиб, қиламиз сайр-томоша.* Қ. Муҳаммадий.

САЙРЧИ Сайр қилиб юрувчи, сайрда юрган киши. *Сайрчиларнинг деярли ҳаммаси.. «сара» халқ.* Ойбек, Навоий.

САЙТ [*ингл.* site – ўрин, жой] Интернетда: муайян мавзу йўналиши бўйича тўпланган ва шакллантирилган, доимо янгиланиб, тўлдириб бориладиган, ўз номи (сарлавҳаси)га эга бўлган маълумотлар йиғиндиси; электрон саҳифа. *Осиё футбол конфедерациясининг расмий сайтида тарқатилган хабарига кўра, Ливан терма жамоаси.. «Осиё кубоги – 2007» баҳсларида иштирок этмайди.* Газетадан.

САЙҚАЛ [*а.* صیقل – жилолаш, силлиқлаш; жило, силлиқлик] Нарса сиртига ишлов бериш натижасида ҳосил бўлган жило; пардоз. *Сайқал ишларини пардозлаш тресги ишчилари олиб боришди.* Газетадан.

Сайқал бермоқ 1) силлиқламоқ, жило, ҳусн бермоқ. *Бермоқ учун дунёга сайқал Олам аро одам яралган.* Э. Воҳидов. *Биз ўзбек чиннисига сайқал бераётган Тошкент чинни заводидамиз.* «Гулистон»; 2) мукаммаллаштирмоқ; силлиқлаштирмоқ. *Ёзган ҳикояларингиз жуда яхши, замонавий, чуқур мазмунли, фақат саҳифаларга бир оз бадиий сайқал бериш лозим.* «Гулистон».

2 *кўчма* Зийнат, ҳусн, чирой, кўрк. *Меҳнат, Ризахўжа аканинг таъбири билан айтганда, умр сайқали, ҳаёт безаги.* Газетадан. *Сатрим сайқалини кўриб шодланган, Азиз шеърхонларим, сиздан ёлчидим.* А. Мухтор.

Сайқал топмоқ 1) *кўчма* ишланиш натижасида мукаммаллашмоқ, силлиқлашмоқ, кўрки ортмоқ. *Бино пардозланиб бўлгач, янада сайқал топди.* Газетадан. *Раққосанинг санъати тобора сайқал топмоқда;* 2) *кўчма* гўзаллашмоқ, ҳусн, баркамоллик касб этмоқ. *Ривож олгай муҳаббат бирла меҳнат, Топар меҳнат билан сайқал муҳаббат.* Ҳабибий, Девон.

САЙҚАЛЛАМОҚ 1 Силлиқламоқ, жило, пардоз бермоқ, зийнатламоқ. *Бино деворларини сайқалламоқ.*

2 *кўчма* Мукаммаллаштирмоқ, ишлаб камолотга етказмоқ, силлиқламоқ. *Асарни сайқалламоқ. Ижодни сайқалламоқ.*

3 *кўчма* Зийнат бермоқ, баркамоллик, кўркамлик бағишламоқ. *Ошифта бу дил сатрини сайқалласа зора, Бўстон бўйи кокиллари, тўхтанг, менга навбат.* Т. Тўла.

САЙҚАЛЧИ 1 Сайқал, жило берувчи; силлиқловчи, жилоловчи уста.

2 *кўчма* Ишлов бериб камолотга етказувчи, баркамол қилувчи, силлиқловчи.

-Ижодимизнинг асосий сайқалчиси халқдир, — деди.. Асқад Мухтор ўз нутқида. Газетадан.

САЙҒОҚ *зоол.* Қўш туёқли, кавш қайтарувчи, чўлда яшовчи сутэмизувчи ҳайвон, оққуйруқ. *Одамлар яқинидан кўкраклари оппоқ сайғоқлар гала-гала бўлиб чопиб ўтади..* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

САЙҲОН Катта текис очиқ жой, майдон. *Кенг сайҳонда икки чол Йўл ахтариб кезарди.* А. Орипов. *Пода, қишлоқ кўчасидан шудринг босган сайҳонга чиқиб борди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

САЙҲОНЛИК Сайҳон ер, кенг майдон. *Сайҳонликка тушганда, ола ҳўкиз орқада қолаверди ва бирдан тўхтади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Қишлоқ подаси ҳайдаб чиқиладиган сайҳонликка етганда, давра қуриб ўтирдик.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

САК I [*ф.* سگ — ит] *с.т.* Саг. *Мен сени жоҳил, шуҳратпараст бир сак деб юрсам, сен одам қонига ташна зулук экансан-ку, ҳароми!* С. Сиёев, Аваз.

Сак йили *айн.* **ит йили** *қ.* **ит 4.**

САК II *қ.* **саклар.** *Сак тилида ёзилган энг қадимги манба — Олмаота атрофидаги Иссиқ мозорқўрғонидан топилган кумуш идишдаги ёзув бўлиб, у милоддан аввалги 5-аср билан саналанади.* «ЎзМЭ».

САКИЛЛАМОҚ *салб.* Беҳуда чопиб, сакраб юрмоқ. *-Ва-а, қолиб кетдинг, энди Ҳалил аканинг итидек сакиллаб, пиёда келасан! — деди у Соат ювошга.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

САККИЗ *снқ. сон* 8 рақамини ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдорни ифодалайди. *Еттидан кейин саккиз келади.* ▬ *Мана, саккиз ойдан буён [Йўлчи] бир қора чақа сўрагани йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

Санамай саккиз дема Олдиндан хулоса чиқарма, яхши билмасдан туриб иш тутма, ҳукм чиқарма. *Султоновнинг айтишига қараганда, ер ҳам ориқ, куч ҳам йўқ.. Султонов санамасдан саккиз дейдиган одам эмас-ку!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

САККИЗИНЧИ 1 Тартиб ўрни 8 рақами билан белгиланган, 8 номерли. *Саккизинчи уй.* ▬ *Саккизинчи майда Сидиқжонга суддан повестка келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Еттинчидан катта, тўққизинчидан кичик ўлчам номери. *Саккизинчи калиш.*

САККИЗЛИК 1 *ад.* Саккиз сатрли банд усулида ёзилган шеър; мусамман.

2 *карт.* Саккиз холли қарта. *Таппоннинг саккизлиги.*

САККИЗОЁҚ *зоол.* Саккизта сўрғичсимон оёғи бор денгиз ҳайвони. *Японияда энг севимли овқат денгиз саккизоёқларининг гўштидир.* «Саодат». *Оролда яшаётганимга бир неча ой бўлса-да, саккизоёқ овини илк бор кузатишим эди.* «Фан ва турмуш».

САККИЗТЕПКИ: саккизтепки атлас Саккиз тепкили дастгоҳда тўқилган атлас; хонатласнинг бир тури. *-Бўлмаса-чи, — деди Отабек, — шу ўн беш куннинг ичида саккизтепки атласдан лоақал икки жўра йиғиб қўйингиз, ёдингиздан чиқармангиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САКЛАР, **шаклар** Илк кўчманчилик даврида: Осиё даштларининг чорвадор аҳолиси. *Саклар асосан чорва ва зироат билан шуғулланганлар.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *-Кетяпман, токи ҳеч қачон қул бўлмасин саклар, — деди қабиланинг йигитларига.* Х. Даврон, Тунги боғлар.

САКРАМА *кт.* Ўқтин-ўқтин ёки вақти-вақти билан бирдан ўзгарадиган, сакраб ўтадиган. *Сакрама характердаги ривожланиш.*

САКРАМОҚ 1 Бутун гавдани ирғитиб, кескин ҳаракат қилмоқ, пастга, юқорига ёки бир неча қадам нарига ўзини отмоқ. *Рустам томоша қилиб турган қизлар орасида биттаси чинқириб, осмонга сакраганини, кула-кула қарсак чалганини кўрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Аёл сакраб пастга тушди-да, сумкасини ковлаб, пул қидира бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

Булутга (*ёки* **кўкка) сакрайдиган** Чопқир, ўйноқи (от ҳақида). *Халқ бундай отларни, булутга сакрайдиган от, дейди.* **Ерга урсанг, кўкка сакрайди** Жуда шўх; тиним билмайдиган (асосан болалар ҳақида). **Юз газ (нари) сакрамоқ** Ўзини четга олмоқ, безилламоқ. *Иш талаб қилсанг, ҳуркиб, юз газ сакрайсиз.* Ойбек, О. в. шабадалар. **(Ўрнидан) сакраб турмоқ** Ўтирган жойидан тез, сапчиб турмоқ. *Бобур ўрнидан сакраб турди, такрор эшитилган аламли йиғидан эти жунжикиб, бувисининг хонасига қараб югурди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Чароснинг.. даҳшатдан кўзлари олайиб, сакраб туриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Урилиб қайтмоқ, ирғимоқ, сапчимоқ. *Бола коптокни ерга бир урган эди, копток том бўйи сакради.* ▬ *Қуёшда олтинланиб, тошдан тошга сакраган сувларнинг шовқинини сезди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *кўчма* Жойдан жойга ўтмоқ, кўчмоқ. *Читтак шохдан шохга сакраб, тўғри ҳам эмас, эгри ҳам эмас калтак излаcа, Набигул заводдан заводга сакраб, нима излайди, дейсиз-да?* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

4 *кўчма* Навбатдагига тўхталмай, кейингисига ўтмоқ. *Биз, ўтган 51-фаслда Анвар билан Раънони Султоналининг дарвозасида қўйиб, 52-фаслга сакраган эдик.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

5 *кўчма* Кўтарилиб-тушиб турмоқ (нарх-наво ҳақида). *[Мирзакаримбой:] Шундай бўлиши керак. Нарх-наво ҳар куни сакраб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

САКРАШ 1 Сакрамоқ фл. ҳар. н. *Бир оёқлаб сакраш.* ▬ *У девордан бир сакрашда ошиб тушди-ю, кучининг борича олдинга интилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Маълум бир спорт турида мустақил машқ. *Парашютда сакраш. Баландликка сакраш. Узунликка сакраш.*

3 *флс.* Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш жараёни.

САКСОВУЛ Шўрадошлар оиласига мансуб, Марказий Осиёнинг шўрхок ва қумли чўлларида ўсадиган, барги яхши ривожланмаган бута ёки дарахт ва унинг ёнилғи сифатида ишлатиладиган ёғочи. *Қора саксовул. Оқ саксовул. Саксовул ўтин.* ▬ *Оқ саксовул, айниқса, унинг уруғи — қўй-эчкилар учун тўйимли озуқа.* «Фан ва турмуш». *Чойхона тўрида доим дутор, сетор осиғлиқ. Қишу ёз чилдирма қиздиргани манқалда саксовул чўғи яшнаб туради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САКСОВУЛЗОР Саксовуллар ўсиб ётган майдон. *Саксовулзорлар, сийрак ўсган чўл шувоқлари, қумлоқ тепаликлар ортда қолди.* «Ёшлик».

САКСОН 1 *снқ. сон* 80 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Саксондан ўн бешни айирмоқ. Саксон сўм пул. Саксон пуд ун.* ▬ *Э, бўтам, ўқишга ўқиганман, аммо бунга саксон йилларча бўлдиёв.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Саксон (эркаклар исми).

САКСОФОН [*фр.* saxophone < Sax — шу асбобни ихтиро қилган бельгиялик уста А. Сакс номи + *юн.* phone — товуш] Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобларининг бир тури. *Саксофон чалмоқ.* ▬ *Чўққи этагидаги санаторий боғидан жаз ва саксофон овозлари келарди.* О. Ёқубов, Излайман.

САКТА [*а.* سكته — сукунат, жимжитлик; тутқаноқ, фалаж] **1** *эск. айн.* **апоплексия**. *Сакта касаллиги оғир касалликлардан бири ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

2 Шеърда вазннинг бузилиши, вазндаги етишмовчилик. *Ёқар эди Қудратга азал Полвон ёзган сактароқ ғазал.* М. Али, Боқий дунё.

3 *кўчма* Ранжитадиган; хато; ёмон. *Аҳмад Сардорнинг қизи Бўтакўзойим Авазхонга «Гўрўғлининг қули бўласан», деб бир нечта сакта сўзлар айтиб, унинг кўнглини қора қилибди.* «Гулихиромон».

САКТАЛИК 1 Шеър вазнидаги хато, етишмовчилик. *Кейин хон, Авазнинг бир байтини ёдаки айтди, бир сакталикка ишора қилиб, уни ўзи тузатиб ўқиди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Камчилик; меъёрдан четга чиқиш. *Қалбим уришига соласан қулоқ, Ҳеч қачон сакталик сезмайсан бироқ.* Р. Бобожон.

САКУРА [*яп.*] Узоқ Шарқда, асосан Японияда ўсадиган, гуллари серяпроқ қизғиш-пушти, меваси ейилмайдиган манзарали дарахт (Япониянинг рамзи). *[Японияда] Сакура гуллаганда, баҳор байрами бўлади, ҳар бир меҳмонга сакура гули тақдим этилади.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

САЛ *рвш.* Бир оз, озгина, андак. *Сал кунда. Сал ўтмай.* ▬ *Меъмор бошқа шогирдларидан кўра ҳам унга [Ғаввосга] ўзгача илтифоту эҳтиром кўрсатар, чунки у ёш жиҳатидан сал каттароқ эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Султонов чўнтагини ковлаб, калитни топди шекилли, сал ҳовуридан тушди.* М. Мансуров, Ёмби. *Қандилларда кўпдан бери ёнаётган шамларнинг тутунидан уй сал хира тортиб қолган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Орқасига қараса, икки отлиқ етиб олишига сал қолибди.* Н. Фозилов, Оқим.

Сал нарсага *ёки* **салга** Арзимаган нарсага, бўлар-бўлмасга. *У ноҳақликни кўргани кўзи йўқ, салга «лов» этиб ёниб кетади.* К. Яшин, Ҳамза. *Ичкуёвчилик эмасми, Бадалбек сал нарсага зарда қиладиган, сал нарсага аразлайдиган қилиқ чиқарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

САЛАВОТ I [*а.* صلوات – «салот» с. нинг кўпл.] **1** *дин.* (Оллоҳ томонидан) Бандаларнинг гуноҳларидан ўтиш; кечириш, кечирим.

Ўтган ишга салавот Ўртада бўлиб ўтган кўнгилсиз ишларни, нохуш, номақбул гапларни унутайлик, гина-кудуратни қўяйлик, деган маънода айтиладиган ибора. *Ўтган ишга салавот, ҳозиргисини гапиринг.* Уйғун, Сўнгги пушаймон.

2 Мақтов, ҳамд-сано. *Пайғамбарларга салавот айтмоқ.*

САЛАВОТ II *қ.* **салобат**.

Салавоти босмоқ *айн.* **салобати босмоқ** *қ.* **салобат**.

САЛАВОТЛИ *қ.* **салобатли**. *Кекса, салавотли кишилардан андак тортиниб, четроқда ёлғиз турган Умид ёнига Жанна келди.* Мирмуҳсин, Умид. *Карим, директорнинг олдидан қандайдир ўзгариб, вазмин ва салавотли бўлиб чиқди.* О. Ёқубов, Каптар.

САЛАМАНДРА [*юн.* salamandra] **1** *зоол.* Сувда ва қуруқликда яшовчилар туркумига кирувчи, узун думли, калтакесакка ўхшаш жонивор. *Узун думлилардан Кавказ саламандраси Ғарбий Кавказда учрайди.* «ЎзМЭ».

2 *қ.* **самандар 1.**

САЛАНГЛАМОҚ 1 У ёқдан бу ёққа ҳаракатланмоқ, бориб келмоқ; лапангламоқ. *Бошида шляпа, бўйнидаги галстук саланглаб ётибди.* «Ёшлик». *Узун кўчада сумкасию тўрхалтасини саланглатиб, калласини осилтириб кетиб боряпти.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 *кўчма* Бекор санқиб юрмоқ, сандироқламоқ. *-Нимага саланглаб юрибсизлар? Унгурга кириб олиб, одамларни нимага ишдан совитасизлар? – деб қичқирди Саидамин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САЛАТ I [*итал.* salato – тузли, тузланган] Турли сабзавотлар (помидор, бодринг), тухум, гўшт ва ш.к. дан тайёрланадиган яхна таом. *Салатни айтмайсизми, кўк қалампир аралашган салат дунёда ягона бўлса ажаб эмас.* С. Аҳмад, Йўғон тепа.

САЛАТ II Истеъмол қилинувчи, витаминларга бой бир йиллик кўкат; полиз экини. *Салатнинг янги узилган барги редиска, бодринг ва ошкўклар билан яхши ҳамоҳанг бўлади.* Газетадан.

САЛАФ [*а.* سلف – аждодлар, ўзидан олдин ўтганлар] Кимсадан илгарироқ ўтган фикрдош, ҳаммаслак, ҳамкасб шахслар. *Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Фурқат деярли ҳамиша ўз салафларидан маълум маънода пастда бўлмайди, аксинча, улар билан бир қаторда туради.* «ЎТА». *Пўлат ака салафлари қаторида, айрим актёрларга ўхшаб, ўз истеъдоди ва маҳоратини арзон-гаровга пулламайди.* Газетадан.

САЛБИЙ [*а.* سلبى – инкор этадиган, қарши, маъқулламовчи] **1** Ёмон; яхши эмас; *зид.* **ижобий**. *Салбий хатти-ҳаракат.* ▬ *Салбий образ ҳам худди ҳаётнинг бир парчасидек яхлит проблематик бўлиши мумкин.* «ЎТА». *Шуни билингки, бошлаган ишингизнинг ижобий томони билан бирга, салбий, жуда катта салбий томони ҳам бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Рад этувчи, қайтарувчи. *Салбий жавоб. Салбий муносабат.*

САЛБИЯ [*а.* صلبيّه – крестгулдош] *бот.* Шифобахш ўсимлик; барги парфюмерияда ишлатилади.

САЛДОВ Моторсиз ва эшкаксиз кемаларни тортиб юргизадиган арқон ва шундай арқон билан кема тортиш жараёни. *Урганчдан Чоржўйгача салдовда ўн икки кунлик йўлни елканда икки кунда босиб ўтишади.* Р. Бекниёз, Лаққа балиқ барваста. *Балиқ тутсак, Аллонбийнинг чулонига элтиб топширамиз-да, яна қўлда салдов тортиб кетаверамиз.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

САЛДОВЧИ Салдов тортувчи, салдов тортиб кема юргизувчи.

САЛДОМ *шв.* Вазн, салмоқ, оғирлик. *Салдомим синдирар филнинг белини.* «Нигор ва Замон».

САЛДОМЛАМОҚ *шв.* Салмоқламоқ, салмоқлаб кўрмоқ. *Кўрсатар салдомлаб таёқ муштини.* «Нигор ва Замон».

САЛИБ I [*а.* صليب– бут, хоч] *кт.* Бут, хоч, крест. *Салиб шаклидаги нақш Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан мавжуд.* «Фан ва турмуш».

Салиб юришлари *тар.* 1096–1270 йилларда Ғарбий Европа зодагонлари ва католик черкови томонидан «муқаддас ерларни мусулмонлар асоратидан қутқариш» шиори остида Сурия, Фаластин, Шимолий Африкага қилинган босқинчилик урушлари. *1-Салиб юришлари (1096–99) 1095 йил Клермонда папа Урбан* II *томонидан эълон қилинган.* «ЎзМЭ».

САЛИБ II [*а.* صليب – саллагул, пион] *бот.* Ўтсимон, бир паллали кўп йиллик ўсимлик; экма гул (меваси табобатда дори учун ишлатилади).

САЛИБЧИ *тар.* Салиб юришининг ташкилотчиси ёки қатнашчиси. *Салибчилар, одатда, кийимларига салиб (хоч) белгисини тикиб олишган.* «ЎзМЭ».

САЛИМ [*а.* سليم – соғлом, бутун, шикастланмаган; ҳақиқий, тўғри] **1** *кт.* Соғлом одам; соғ-саломат, тўрт мучаси бут киши.

Ақли (*ёки* **фикри) салим** 1) тўлиқ, тиниқ ақл; 2) ақли расо, мияси бутун одам. *Фикри салим Олимжон ўзида бўлган жиддиятларни Аҳмаджонда ҳам кўрмоқда эди.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Мамлакатимизнинг истиқболи учун ақли салим, зийрак ва қувватли ўспиринлар керак.* Газетадан.

2 Салим (эркаклар исми).

САЛКАМ [сал + кам] Асосан миқдорни билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, «бир оз кам» маъносини билдиради. *Чолу кампир шошилмай салкам Бир асрни яшаб қўйишди.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Одам бир кунда тахминан салкам уч литр сув ичади.* Газетадан.

САЛЛА I [*а.* سلّه – сават, тўрхалта; тугун] Узунлиги 1,5 метрдан 7 метргача бўладиган, дўппи, кулоҳ, телпак устидан ўраладиган сидирға мато, дока; мусулмон эркакларнинг бош кийими. *Салла ўрамоқ. Калла бошқа, салла бошқа.* Мақол. ▬ *Эгнидаги йўл-йўл беқасам тўн, бошидаги оппоқ мисқоли салла унинг йигитлик кўркини яна ҳам очар эди..* К. Яшин, Ҳамза. *Қоровул чол ҳам бошидан салласини олмоқчи эди, чувалиб, оёғи остига тушди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Бақа салла *ёки* **қурбақа салласи** Истеъмол қилиб бўлмайдиган заҳарли замбуруғ ўсимлигининг бир тури. *Қаршидаги бўғоти тушиб, ўртаси емирилган, деворидан бақа салла ўсиб чиққан хароба бинолар..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ичагингни** (*ёки* **ичак-чавоғингни) бошингга салла қилиб қўяман** Дўқ-пўписа ибораси. *Эсинг борида этагингни ёп, бўлмаса, ичак-чавоғингни бошингга салла қилиб қўяман.* «Ёшлик». **Пайтава салла** *кест.* Ҳафтафаҳм, бефаросат. [*Холисхон:*] *Пайтава саллалардан ўлиб бўлдим. Ухлаб ётибди, денг.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

САЛЛА II *шв.* Маърака-маросимларда тухумга қорилган хамирдан салла шаклида ўраб, ёғда пишириладиган миллий пишириқ; ўрама.

САЛЛАГУЛ [салла + гул] *бот.* Манзарали, кўп йиллик ўтсимон ёки бутасимон ўсимлик ва унинг йирик гули. *..ўтсимон саллагул турлари илдизларига пайвандлаш, пархиш қилиш орқали, қаламчаси ва уруғидан кўпайтирилади.* «ЎзМЭ».

САЛЛАЛИ Бошига салла ўраган; салласи бор. *Хон сайлагучилар орасида ёш йигитлар бор бўлганидек, катта саллали муллонамолар, етмиш ёшли кексалар ҳам кўринади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САЛЛАЛИК Саллабоп мато. *Саллалик дока.*

САЛЛАМНО [*а.* سلّمنا – табриклаймиз, қутлаймиз] *кт.* Балли, офарин, тасанно, ташаккур. *Қипти отанг сени мулло, Отаэнангга салламно.* «Гулнорпари». *У ҳозир ижро этган рақсни.. кўрганларида эди.. Салламно ўқишарди.* К. Яшин, Ҳамза.

САЛЛАЧА 1 Салла I с. кичр.

2 Бошга танғиб ўраладиган чоғроқ рўмол. *Саллача ўрамоқ.* ▬ *Сув бўйида ўлтириб, сувни мунча лойлайсан, Саллачангни дол қўйиб, юрагимни доғлайсан.* «Оқ олма, қизил олма».

САЛЛА-ЧОПОН Намозга ва умуман кишиликка кийиладиган устки кийим. *Дадаси йўлакдан кўриниши билан Раъно Масъудни кўтариб турди ва қозиқдаги салла-чопонни олиб, айвон муюшига келди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Содиқжон бойвачча ўрнидан турди-да, Шаҳзодага салла-чопонини ишора қилди.* К. Яшин, Ҳамза.

САЛЛАҚОВОҚ *бот.* Қовоқнинг бир тури.

САЛЛОНА-САЛЛОНА *шв.* Ўзини у ёқбу ёққа солиб; тебраниб-тебраниб. *Зоғча кўзли тулпорлари, Чопинг саллона-саллона..* «Юсуф ва Аҳмад». *Аёл хохолаб кулганча, ўрнидан турди, саллона-саллона юриб, столнинг ёнига борди-да, пиёлага чой қуйиб ичди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

САЛЛОТ [*р.* солдат] **1** *с. т.* Солдат, аскар. *Князь сув пулини уч баравар ошириб юборибди. Капсанчилар ғулу кўтаришган экан, князь «шаҳардан саллот чақираман», деб босибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *карт.* Моткадан кичик, ўнликдан катта қарта. *Ғиштиннинг саллоти. Саллотни юрмоқ.*

САЛЛОХ [*а.* سلاّخ — тери шилувчи; қассоб] **1** Кушхонада мол сўювчи, қассоб. -*Тикка олдига бориб, девкор саллохлардай шохидан ушлаб, «бисмиллоҳу оллоҳу акбар», деб [ҳўкизнинг] бўғзига пичоқ тортиб юбордим, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма нафр.* Каллакесар, хунрез. *Уруш саллохларин жиловлагали Тарих ҳукмин кечиктирмайди.* С. Акбарий.

САЛЛОХЛИК 1 Қассоблик; мол сўйиш касби. *Йўлдош ака Тошкентдаги кушхонада саллохлик қилганида, мен унга шогирд эдим.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

2 *кўчма нафр.* Каллакесарлик, хунрезлик.

САЛЛОХХОНА [саллох + хона] *айн.* **кушхона**. -*Қайси саллоххонанинг ахлати бу? — деди Комилжон папирос тутунини бурнидан чиқариб.* И. Раҳим, Ихлос.

САЛМА *шв.* Тор, кичик ариқ. *Сигир қозиқни суғуриб, салмадан ҳатлаб ўтибдида, Матчон тўранинг пахтазорига кириб, ғўзани ямлаяпти.* Ж. Шарипов, Хоразм.

САЛМОҚ 1 Оғирлик, вазн, вазминлик, залвор. *Сони бор, салмоғи йўқ.* Мақол. ▬ *Агапов шошилмайди.. Юкнинг салмоғига қараб, сўнгра гапиради.* И. Раҳим, Ихлос. *Қаршимда Ер шарин сурати турар, Салмоғи Қуванинг анорича бор.* А. Орипов.

Салмоқ билан 1) оғирлиги, залвори билан. *Чўпон ота ҳайрон бўлиб, қўлини орқасига қилганча, тик қотиб турган эди, кейин салмоқ билан юра бошлади.* Ойдин, Ҳикоялар; 2) аста, шошмасдан, салмоқланиб, дона-дона қилиб (гапирмоқ). *Кейин Ҳазрат ёнида ўтирган оқсоқ дарвишга маънодор қараб қўйди-да, аста томоқ қириб, салмоқ билан гапира бошлади.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Жамиятда, кўпчилик ўртасида эришилган ҳурмат-эътибор; мавқе, нуфуз. *Салмоққа яраша иш қилиш керак, Токи дўстошнолар десинлар балли.* Ғ. Ғулом.

3 Нисбий вазн, ҳажм, қиймат, аҳамият, эгалланган ўрин; мазмун. *Оғир саноат маҳсулотининг салмоғи тез ўсиб бормоқда.* ▬ *Адабиётимиздаги ҳужжатга — ҳаётда бор фактларга асосланиб ёзилган воқеий асарлар катта салмоққа эга.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Бадиий таржимага эътибор кучаймоқда, таржима адабиётининг салмоғи ҳам йил сайин ошиб бормоқда.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

САЛМОҚДОР 1 Нисбатан оғир; вазмин, салмоқли, залворли. *Салмоқдор болға.* ▬ *Тоғ каби салмоқдор уй, Ичи тўла лиқ китоб.* Қ. Муҳаммадий.

2 Вазндор, бўлиқ, тўлиқ, бўлали. *Салмоқдор кўсаклар.* ▬ *Салмоқдор бошоқлар шамолда майин тебранади.* Газетадан.

3 *кўчма* Арзирли; катта; самарали. *Салмоқдор ҳисса қўшмоқ.* ▬ *[Азимжоннинг] Туғилган юртидаги катта Қоракўл доирасида салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан.* А. Мухтор, Чинор.

4 Мавқеи, тутган ўрни ва хизматига кўра бошқалардан ажралиб турадиган, бошқаларга қараганда сермаҳсул. *Салмоқдор олим.* ▬ *Бир-биридан афзал ва салмоқдор бўлган йилларимиз ичида бу йил алоҳида ўрин олди.* Ҳ. Назир, Янги саҳифа.

5 *кўчма* Оғир, вазмин; таъсирчан; донадона. -*Боғчанг-ку яхши-я, - деди салмоқдор овоз билан ҳалиги чол, — лекин ҳар ҳолда ота билан онанинг меҳри бошқа.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САЛМОҚИ 1 Салмоқлаб, дона-дона қилиб гапирадиган. *Салмоқи одам.*

2 Салмоқлаб, дона-дона қилиб сайрайдиган (бедана ҳақида).

САЛМОҚЛАМОҚ 1 Қўлда кўтариб кўриб, оғирлигини чамаламоқ. *Миркарим Ойсанамнинг қўлида қолган эллик тийинлик тангани ҳам олиб, кафтида салмоқлаб кўра бошлади.* М. Хайруллаев, Қўшнилар. -*Яхши қилич! — салмоқлаб, тиғини яна қинига тиқди Арслонқул.* Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Вазминлик билан, дона-дона қилиб гапирмоқ, сўзламоқ. -*Сен қутқариб қолмаганингда, ҳозир булар қаёқда эди, — деди бува салмоқлаб.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 *кўчма* Фикран чамаламоқ; қиёсламоқ. *Иброҳимов.. ўртага ташланган фикрларни ва буларнинг тўғри ё нотўғри эканлигини исбот қилиш учун кўрсатилган далилларни ўлчаб, салмоқлаб кўрди, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб ёзиб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Шошмасдан, битта-битта қадам ташламоқ, секин юрмоқ. *Холмат беғам, одатдагидек салмоқлаб қадам ташлаб, айвонга ўтиб кетаверди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САЛМОҚЛАНМОҚ 1 Салмоқламоқ фл. мажҳ. н.

2 Вазминлик билан, дона-дона қилиб гапирмоқ. *Йўлчи кириши билан [Мирзакаримбой] вазиятни бузмасдан салмоқланиб деди: -Кел, қўзим, нима ишинг бор?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Шошмасдан, битта-битта қадам ташламоқ, секин, вазмин юрмоқ; ҳаракатланмоқ. [*Қозоқ бола*] *Йўлкада битта-битта қадам ташлаб бораркан, кўчани кесиб, шу томонга салмоқланиб келаётган қоплонга кўзи тушди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Танклар бир текисда, жуда ҳам шошмай, салмоқланиб борарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

САЛМОҚЛИ *айн.* **салмоқдор.** *Салмоқли болға. Салмоқли кўсаклар. Салмоқли мушт.* ▬ *Салмоқли дон бошоқлари бу йил ҳам ҳосилнинг яхши бўлишидан дарак беради.* Газетадан. *Бошқа халқлар қаторида ўзбеклар ҳам фанга, маданиятга қўшган салмоқли ҳиссалари билан дунёга машҳур бўлиб қолмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ойбек уруш мавзуида кўплаб салмоқли асарлар ёзилганлигини кўп таъкидлар эди.* Газетадан. *Усмон ота катта йўлда у ёқ-бу ёққа қараб, салмоқли қадам ташлаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бирпасдан кейин шу тинчликда унинг юрагидан тўлқинланиб чиққан майин, лекин салмоқли овози янгради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

САЛМОҚСИЗ 1 Салмоғи, оғирлиги, вазни, ҳажми кам; енгил-елпи. *Салмоқсиз тош.* ▬ *Тирик вазни салмоқсиз бўлган чорва молларининг давлатга топширилиши ва сўйиб юборилиши натижасида жуда кўп мол йўқотилмоқда.* Газетадан.

2 *кўчма* Мавқеи, тутган ўрни, маъно-мазмуни, хизмати жиҳатидан унча аҳамиятга эга бўлмаган. *Салмоқсиз одам. Салмоқсиз асар.*

3 Таъсири йўқ; таъсирсиз. *Салмоқсиз гап.*

САЛОБАТ [*а.* صلابت – мустаҳкамлик, қаттиқлик; қатъийлик; ўжарлик] Улуғвор ташқи кўриниш; савлат, маҳобат. *Унда [Ҳамид Олимжонда] сеҳрли бир жозиба ва салобат бор эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Шоди Мударрисович декан ўринбосари бўлгандан бери гап-сўзлари ва юриш-туришида аллақандай бир ўзгариш, сиполикка ўхшаш салобат пайдо бўлган эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Пойтахт салобати кундан-кунга ошиб, Мирзо мадрасаси ҳукуматнинг эмас, Ҳирот аҳлининг ҳам диққатини торта бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Салобати босмоқ Кимса савлати, улуғворлиги олдида тортинмоқ, ўзини йўқотаёзмоқ, довдирамоқ. *Пошша хола, уй эгасининг салобати босиб, унга тик қаролмади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

САЛОБАТЛИ 1 Улуғвор кўринишга эга бўлган, виқорли; савлатли, маҳобатли. *Салобатли киши. Салобатли бино.* ▬ *Ҳақиқатан ҳам Ғойибнинг салобатли қиёфаси олдида Темиржон ёш боладай кўринарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Улар Аҳмадга қадрдон бўлиб кетган салобатли ва баҳайбат арғувон дарахтига яқинлашдилар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Оғир, вазмин; ўз вазминлиги ва сокинлиги билан таъсир этувчи; таъсирчан. *Салобатли тун.* ▬ *Шундан кейин уйда салобатли тинчлик чўкди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Бош муҳаррир ўзининг майин, вазмин, ширали, салобатли овози билан сўз бошлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ташқарида баҳор ёмғири салобатли шовулларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

САЛОМ [*а.* سلام – тинчлик, хавфсизлик; кўришиш, саломлашиш] **1** Кишиларнинг ўзаро учрашган пайтларида урф-одатга кўра бир-бирига айтадиган сўзи. *Алангали салом. Қизғин салом. Салом ҳам фарз, алик ҳам фарз. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер.* Мақол. ▬ *-Салом, профессор! Хуш келибсиз, – деди Ҳамза ва Степановга қараб қулочини очди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ғуломжон эгилиб салом берди, соғ-саломатлик сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Дуойи салом *қ.* **дуо. Салом айтмоқ** *айн.* **салом йўлламоқ.** *Ҳаводан айланиб учган турналар, Бориб бизнинг элга салом айтинглар, Эй азиз турналар, менинг тилимдан Дўсту ёронларга салом айтинглар.* «Тоҳир ва Зуҳра». **Салом алайкум** *айн.* **салом 1. Салом йўлламоқ** Бирор шахс ёки нома орқали салом айтиб юбормоқ. *-Ҳаммалари соғ-омон, – деди Низомиддинхўжа. – Сизга матбаа, газеталардаги муҳаррир, мусаҳҳиҳ дўстларингиз салом йўллашди.* К. Яшин, Ҳамза. **Салом йўқ, алик йўқ** Тўсатдан, ҳеч кутилмаганда, дабдурустдан. *У киргач, салом йўқ, алик йўқ, томдан тараша тушгандай: -Нималар деб валдираяпсан, – деб ўшқирди.* «Муштум». **Саломини еб қўймоқ**

Кўпинча, салом бермаган болаларга айтиладиган ҳазил ибора. *Эрта туриб кеч келди, Саломини еб келди.* «Бойчечак». **Соясига салом бермоқ** *қ.* **соя.**

2 *тар.* Амир, хон билан эрталабки учрашув ва ундаги салом-алик маросими. *Эрталаб хоннинг ҳарамдан чиқиш вақти яқинлашган, салом ва истиқбол учун хослардан саккиз-тўққиз киши йиғилган эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Салом оғаси *тар.* Амир, хон саройида расмий маросимларга бошчилик қилиб, уни назорат қилиб турган лавозимли шахс. *Супачалар устида удайчи, шиғовул, салом оғаси, тунқотар ва дарбон каби ташрифот ходимлари ўтирардилар.* С. Айний, Жаллодлар.

3 *этн.* Келинчакни тўйдан кейинги кун эрта билан олиб чиқиб, куёвнинг ота-оналарига, қариндош-уруғларига таъзим қилдириш маросими ва умуман келинчаклар таъзими; келинсалом. *Эрталаб, одат бўйича, Нури тўр рўмол ёпиниб, бешикдаги боладан то кексаларга қадар — ҳаммага салом қилар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Роҳила:] Жон қизим, эрингни иззат қил! Қайнанангни иззат қил! Эрталаб саломга чиқаётибсанми?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 Саҳнада, ўйин-томоша майдонларида актёрларнинг томошабинларга таъзими. *Зулфизар рақсини тугатиб, маҳлиё бўлиб ўтирган томошабинга салом қилиши билан, бирдан ҳамма ёқни гулдуратиб қарсаклар кўтарилди.* К. Яшин, Ҳамза.

5 Салом (эркаклар исми).

САЛОМАЛАЙКУМ [*а.* سلام عليكم — сизнинг устингизда тинчлик ва соғлиқ бўлсин] (*тўғриси* **салом алайкум**) **1** *қ.* **салом 1.**

2 *бот.* Экинлар орасида тез кўпаядиган, илдизпояли кўп йиллик бегона ўт. *Саломалайкум Ўзбекистоннинг барча суғориладиган ҳудудларида.. бегона ўт сифатида кўп учрайди.* «ЎзМЭ».

САЛОМ-АЛИК [*а.* سلام عليك — «саломалайкум» с. нинг қисқарган шакли] Бирбирига салом бериб кўришиш, саломлашиш. *Салом-алик қилмоқ. Уларнинг бир-бирлари билан салом-аликлари бор, курортда танишиб қолишган.* ▬ *Одатдаги салом-аликдан сўнг орага ноқулай жимлик чўкди.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги. *У отдан тушиб, Меъмор билан салом-аликдан сўнг, бу кеча қандай ухлаганини сўради.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Салом-аликдан сўнг гаплари айланиб келиб Ҳамзанинг мактабида тўхтади.* К. Яшин, Ҳамза.

САЛОМ-АЛИКЛАШМОҚ Ўзаро салом бериб кўришмоқ, саломлашмоқ.

САЛОМАТ [*а.* سلامت — хавфсизлик, омонлик, хотиржамлик; соғломлик] **1** Тан-жони соғ, соғ-саломат; соғлиги яхши; эсон-омон. *Саломат юрибсизларми? Саломат етиб бормоқ.* ▬ *Нимага хафасан? Мана, мен соғ-саломат қайтдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Амирзодам, шукур, онангиз, эгачингиз саломат эканлар, кўп куюнманг, бошингиз омон бўлса, давлат топилур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Саломат бўлинг Миннатдорчилик изҳор этиш, хайрлашишда ёки бирор киши акса урганда айтиладиган ибора. *-Хайр, саломат бўлинг, — қиз югуриб, уйига кириб кетди.* «Ёшлик».

3 Саломат (хотин-қизлар исми).

САЛОМАТЛИК Тан-жони соғ, саломат бўлишлик; тани соғлик. *Саломатлик тиламоқ. Саломатлигини сўрамоқ. Саломатлик — туман бойлик.* Мақол. ▬ *Саломатлигингиз яхшими, уста?* С. Сиёев, Аваз. *-Ҳаммасидан ҳам саломатлик керак, — деди Муҳиддин.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

САЛОМЛАМОҚ Салом бермоқ, қутламоқ. *Бу ердаги ҳар бир шох-шабба, ҳар бир япроқ Моҳидилга қадрдон. Улар қизни саломлагандай, аста чайқалиб туришибди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Чиқаётган қуёшни саломлаб, яшил дарахтларда қушлар сайрай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

САЛОМЛАШМОҚ Ўзаро бир-бирига салом бермоқ, салом бериб, бир-бири билан кўришмоқ. *Шу куни тушда Иқбол хола ош олиб келганда, Алимардон у билан совуққина саломлашди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Нишонов шошганидан саломлашишни ҳам унутаёзди.* С. Зуннунова, Янги директор.

САЛОМНОМА [салом + нома] Сиҳат-саломатлик тилаб йўлланган салом хати. *Ўринбой ака хатни очиб ўқий бошлади. Ойсаодат опа фарзанди йўллаган саломномани бутун вужудини қулоқ қилиб эшитарди.* Ш. Қурбонов, Хушхабарчи.

САЛОМХОНА [салом + хона] *тар.* Амирнинг, хоннинг саломга йиғилганларни ёки

иш билан келганларни қабул қиладиган хонаси. *Саройбон.. рўпарадаги эшикдан аъло-ҳазратларининг саломхонасига кириб кетди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

САЛОН [*фр.* salon – меҳмонлар кутиб олинадиган ҳашамдор хона] **1** Кўргазма, музей залларида турли соҳа ва бўлимларга ажратилган махсус хона ёки бўлмалар. *Мураккаб рўзғор техникаси салонида шу ерда мавжуд эҳтиёт қисмлардан фойдаланиб, дазмол, фен, электр устарани ремонт қилса бўлади.* Газетадан.

2 Кийим-кечак, пойабзал, санъат буюмлари ва ш. к. намойиш этиладиган ва сотиладиган махсус магазин ёки унинг бўлими. *Универмагнинг аёллар кўйлаги билан савдо қилувчи салони.*

3 Бирон-бир махсус фаолият учун мўлжалланган хона, зал.

Аёллар (*ёки* **гўзаллик) салони** Хотин-қизларга сартарошлик, маникюр каби пардоз-андоз хизматларини кўрсатувчи жой.

4 Умуман, транспортда (кема, самолёт, автобус, троллейбус ва ш. к. да) йўловчиларга ажратилган бўлма, хона. *Ҳаво кемаси оҳиста учиб боряпти, самолёт салони оддий иш кунидек йўловчилар билан гавжум.* Газетадан.

САЛОРЛАР Хитойнинг баъзи вилоятларида яшовчи мусулмон туркий халқ (ўзларини салир деб атайдилар). *Хитой йилномаларида салорлар 14-асрдан тилга олинган.* «ЎзМЭ».

САЛОТ [*а.* صلات – намоз, ибодат; илтижо, ўтиниб сўраш; шукрона; дуо, фотиҳа] *дин.* **1** Ислом динидаги 5 та рукннинг энг асосийси: бир кунда, муайян вақтларда белгиланган тартиб ва шартлар асосида қилинадиган ибодат. *Салоти жаноза.*

2 Худо ва пайғамбарга аталган мадҳия, ҳамду сано.

САЛОҲ [*а.* صلاح – яхшилик, эзгулик; тўғрилик] **1** Тўғрилик, виждонлилик.

Аҳли салоҳ Пок, тўғрисўз одамлар; тўғри иш қилувчи, ҳалол кишилар. *Бу кун кечасига мулла Султонқулнинг қўрғонида бир неча аҳли салоҳ йиғилишиб.. кичкина маслаҳат қилишиб олишмоқчи эканлар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Салоҳ (эркаклар исми).

САЛОҲИЯТ [*а.* صلاحيّت – яроқлилик; ваколат, ҳукмдорлик; тўлиқ ҳокимият] Қобилият, иқтидор. *Худованди карим бу зоти муборакка шундай салоҳият ато қилганким, тиббиёт бобида унинг билмаган илми йўқдир.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Албатта, Алишер Навоийдаги бу тенгсиз салоҳият қитъа ёзган барча шоирларга хос хусусиятдир, демоқчи эмасмиз.* «ЎТА».

САЛОҲИЯТЛИ Салоҳиятга, катта қобилиятга эга бўлган; иқтидорли. *Салоҳиятли, иқтидорли кадрларни асрашимиз керак.* ▬ *Салоҳиятли кадрларнинг маҳоратини ошириб бориш тўғрисида ҳозирдан бошлаб алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш лозим.* Газетадан.

САЛ-ПАЛ *рвш.* Иш-ҳаракат бажарилиш даражасининг меъёрдан камлигини ифодалайди; бир оз, озгина, андак. *Сал-пал юзларига шабада урди.* Ойбек, Нур қидириб. *Хоразмшоҳ чўққи соқолини қашлаб, сал-пал илжайган бўлди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

САЛТ 1 Аравага қўшилмаган; яйдоқ. *Салт от. Салт от минган киши.* ▬ *Измаиз келаётиб, Йўлбарс вовуллади. Ота орқасига қайрилиб қараса, салт отлиққа кўзи тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Юксиз, беюк, енгил-елпи. *Қайтишда чарчаган ориқ отларда, устиларидаги одамларни кўтариш нари турсин, салт ҳолда қадам босиш учун ҳам куч топилмасди.* С. Айний, Қуллар. *Қаранг, салт совлиқлар илдам кетиб, ширали ўтларни еб тинчитишяпти.* «Ёшлик».

3 *тех.* Нагрузкасиз, топшириқсиз, бекорга, беҳудага қилинган (ҳаракат). *Двигателнинг салт юриши.* ▬ *Бехосдан лента узилиб қолса, ғалтак салт айланади.* М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

САЛТАНАТ [*а.* سلطنت – султонлик, ҳокимият, ҳукмдорлик] **1** Хон, амир, подшо ҳукмдорлиги ва шундай ҳукмдор қўл остидаги давлат; империя. *Аҳмад мирзо амакиси салтанатининг буюклигидан, унинг катта қўшинидан ҳайиқарди..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шоҳим, дўстлик ҳурмати, мамлакатимиз ва салтанатимизнинг осойишталигидан бўлак муддаом йўқдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Салтанат (хотин-қизлар исми).

САЛТАНАТЛИ Тўлиқ ҳукмронликка эга бўлган, тўла ҳукмрон. *Салтанатли шоҳ.* ▬ *Подшолик, салтанатли тахтлар, мунаққашли, кўшкли мазгил жойлар.* «Баҳром ва Гуландом».

САЛТ-СУВОЙ *с. т.* Ташвиш-таҳликасиз, бола-чақасиз; орқа этагида оғирлиги йўқ; такасалтанг. *Салт-сувой йигит.* ▬ *У пайтлар ҳали Султон салт-сувой, ҳали Зумрадни ҳам учратмаган эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *-Шахмат ўйнашни ким қўйибди сизга, кап-катта одам, — истеҳзоли кулди аёл, — шахматни салт-сувойлар ўйнасин.* «Саодат». *Ҳарбий хизматдан қайтгач, рўзғор юмушларига қовушмай қолган салт-сувой ўспирин эмас.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

САЛФЕТКА [*итал.* salvietta] Овқат вақтида ёки ундан сўнг оғиз ва қўлни артадиган қоғоз ёки кичкина сочиқ. *Қоғоз салфетка.*

САЛЬДО [*итал.* saldo — ҳисоб-китоб, қолдиқ] **1** Бухгалтерия ҳисобида муайян давр учун пул тушумлари ва қилинган харажатлар ўртасидаги айирма. *Сальдо ҳар ойнинг биринчи санасидаги ҳолат бўйича аниқланади.* «ЎзМЭ».

2 Биржа алоқа-муносабатларида мижознинг брокерлик фирмасидан ёки аксинча, брокерлик фирмасининг мижоздан қарзи.

3 Ташқи савдо муносабатларида экспорт ва импорт қийматлари ўртасидаги фарқ, тафовут.

САЛЬТО [*итал.* salto — сакраш] Ерга тегмай туриб, ҳавода бир, икки ёки уч марта умбалоқ ошиб сакраш. *Сальто қилгандай ҳавода умбалоқ ошиб, қум устига йиқилиб тушибман.* П. Қодиров, Эрк.

САЛЮТ [*фр.* salut < *лот.* salus, salutis — қутлаш; соғлик] **1** Саломлашув, табрик.

2 *тар.* Пионерларнинг қўлини бошдан юқори кўтариб саломлашуви. *Кўкка қараб салют берди хандон пионер.* Ғ. Ғулом.

3 Турли тантана ёки байрам, маросимларда, тарихий саналарни нишонлашда бир неча милтиқдан, тўпдан бир йўла кўпгина ўқ узиш; мушак отиш. *Байрам салюти.* ▬ *Кечқурун байрам салютининг ранг-баранг чўғлари бутун шаҳарни ёритди.* Газетадан. *Бу орада тўплар яна бир неча марта салют берди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

САЛҚИ *с.т.* Солқи. *Дарахт шохларини қор босган салқи.. Гўё салқигандай Ер қовоғи ҳам.* Газетадан. *Исломбой унинг салқи қовоқлари шишиб, кўзлари қизарганини пайқади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Отнинг пуштанини салқи қилиб тортдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

САЛҚИМОҚ *с.т.* Солқимоқ. *У.. ёш бўлса ҳам, соқол босган, ичкиликдан салқиган юзини кўтариб қаради.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Кечаги фаввора ёнида Хосият хола билан учрашдик, унинг юзи салқиган, ғамгинроқ эди.* «Шарқ юлдузи».

САЛҚИН 1 Илиқдан пастроқ оромбахш ҳаво ҳарорати. *Бугун ҳаво салқин.* ▬ *Тун салқинини ногоҳ ҳис этиб, У уйғониб кетди тонг олди.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Қудуқ тубидан ураётган салқин хуш ёқиб, Отамурод бирпас ўтирган бўлди.* М. Мансуров, Ёмби.

Салқин тушмоқ Ҳаво ҳарорати пасаймоқ. *Бозоров извошга ўтириб, далага жўнади. Даштга кечки салқин тушиб қолган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Сердарахт, серсоя, қуёш нури тушмайдиган, теварак-атрофга нисбатан совуқроқ жой. *Салқин жой.* ▬ *Кун қизий бошлагач, Аваз эшикка сардўз боғлаб, Полвонёп бўйидаги ўша салқин оромхонага равона бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Икки четига сарвлар ва шамшодлар экилган салқин хиёбонларда ҳеч кимса кўринмайди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

САЛҚИНЛАМОҚ Жазирама, иссиқ кунларда соя-салқин жойга бориб дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ. *Сояда салқинлаб ётади беклар.* «Муродхон». *Кеча шу пайтларда Андижонсой бўйида салқинлаб ётгани [Бобурнинг] эсига тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

САЛҚИНЛАТМОҚ 1 Салқинламоқ фл. орт. н.

2 Бирмунча салқин қилмоқ, совитмоқ. *Назокат дўконхона эшиги тагига сув сепиб салқинлатди, шолча устига тўшалган кўрпачага ёнбошлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

САЛҚИНЛИК Муздек ҳаво, совуқлик. *Залнинг ўртасида мармардан ишланган ҳовузча, зилол сувлар секин оқади: табиий иссиқ ҳавога бир оз оромбахш салқинлик беради.* Ойбек, Нур қидириб.

САЛҚИНТОБ *салб.* Сояпарвар, танбал. *Салқинтоб одам.* ▬ *-Пахтакорга танбаллик ярашмайди, ука, салқинтоб бўлишни ташлаб, бошқа ишларга ҳам қўл уриб тур, — деган эди Ҳасан ака.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

САЛҚИТ *с. т. айн.* **сарқит**. *Ўзи тўймаганнинг салқити қорин оғритади..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

САМАН [*ф.* سمند – сариққа мойил рангли от] **1** Оч малла, сарғиш, сомонранг (отнинг туси ҳақида). *Ўртадаги юк машинасида саман тойча. Икки қулоғининг ўртасида жиға, устида қизил бахмал ёпиқ.* С. Нуров, Нарвон. *Саман қашқа эса сой ичида қирғоққа тиралиб олган.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 Шу тусдаги от. *Жиловдор нарироқда ўтлаб юрган саманни олиб келиб, узангисини амирга тўғрилади.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

САМАНДАР [*ф.* سمندر – саламандра] **1** *миф.* Афсонага кўра, гўё ўт ичида туғиладиган ва ўтда яшайдиган махлуқ. *Адо бўлар оқибат Ё олов, ё самандар.* У. Қўчқор. *Овози самандардек, донишда Искандардек, Қаҳр айласа аждардек, чун нури аён келди.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *қ.* **саламандра 1**.

3 Самандар (эркаклар исми).

САМАНТЎРИҚ 1 Саманга, маллага мойил тўриқ (от туси).

2 Шу тусдаги от. *Самантўриқни эгарламоқ.*

САМАР [*а.* ثمر – озиқ-овқат, мева, ҳосил; фойда, натижа] *кам қўлл. кт. айн.* **самара.** *Совуқ гапнинг нохуш самари икки қалбда ёнар ловуллаб.* А. Пўлкан, Изҳор.

САМАРА [*а.* ثمره – мева, ҳосил] Натижа, ҳосила, фойда. *Фидойилик билан қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди: мўл ҳосил етиштирилди.* Газетадан. *Қуёш энергиясидан фойдаланиш халқ хўжалигига жуда катта иқтисодий самара беради.* Газетадан. *Ҳар бир иш ниҳоясига етгандагина гўзал самара беради.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САМАРАДОР [*а.* + *ф.* ثمره‌دار – самарали, фойдали] Катта самара, фойда келтирадиган, сермаҳсул; яхши натижа берадиган. *Кино, театр сингари санъат турлари орасида адабиёт ҳам ёшларни тарбиялашда энг фаол ва самарадор омиллардан биридир.* «Фан ва турмуш».

САМАРАДОРЛИК Самарали, фойдали бўлишлик; фойдалилик. *Иқтисодий самарадорлик.* ▬ *Чорвачиликни индустрлаш меҳнат самарадорлигини анча ошириш имконини беради.* Газетадан.

САМАРАЛИ *айн.* **самарадор.** *Самарали иш. Самарали меҳнат.* ▬ *Ёзнинг ҳар бир кунидан самарали фойдаланиб, парваришни ҳар томонлама кучайтирмоқ даркор.* Газетадан. *Баҳром, бугун самарали ишлаганидан руҳи кўтарилиб, енгил кайфият билан йўлга чиқди.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси.

САМАРАСИЗ Самара бермайдиган, фойдасиз, бесамар; натижасиз, беҳуда. *Самарасиз иш. Самарасиз ҳаракат.* ▬ *Самарасиз ўтмас шоирнинг умри, Тоза юракларда сўз кони қолар.* С. Акбарий, Меҳригиё.

САМАРИЙ [*лот.* samarium < илк бор шу элемент ажратиб олинган минерал (самарскит) номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб нодир кимёвий элемент; кумушсимон оқ металл.

САМБИТ *бот.* Тол дарахтининг бир тури ва унинг новдаси; самбиттол.

Самбит қомат Қадди-қомати тик, келишган. *Қурбон Ориповнинг самбит қомати худди ари чаққандек силкинди..* А. Муҳиддин, Куёв қочди. *Кошкийди мен ҳам шундай бир самбит қомат, гўзал қизга ваъда бериш бахтига муяссар бўлсам.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

САМБИТГУЛ *бот.* Гуллари оқ, пушти, қизил рангларда очиладиган, барглари доимо яшил манзарали ўсимлик (бута ёки кичикроқ дарахт). *Дераза ёнидаги катта тувакда самбитгул кўм-кўк бўлиб яшнаб турарди.* С. Зуннунова, Янги директор.

САМБИТТОЛ *айн.* **самбит.** *Икки четда эса ҳар хил дарахтлар, самбиттоллар, каллакдор тутлар қад кўтарган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Сой бўйида самбиттол, савлатингга қойилман.* «Қўшиқлар». *Ўрмондаги қушлару қирлар, олтин бошоқлар, Самбиттол, камалаклар «ўзингизга қолди..»* И. Маҳмуд, Эътироф.

САМБО [*р.* самозащита без оружия – «қуролсиз ўзини ҳимоя қилиш» бирикмасининг қисқартмаси] *спрт.* Курашнинг хил-ма-хил, самарали миллий усулларни қамраб олган бир тури. *Самбо билан шуғулланмоқ.* ▬ *Спортнинг самбо тури бўйича Самарқандда ўтказилган республика биринчилигида 64 курашчи қатнашди.* Газетадан.

САМИМИЙ [*а.* صميمى – тоза, асл; ҳақиқий] **1** Сидқидиллик билан, чин қалбдан, юракдан қилинган, айтилган; юракдан, дилдан чиққан. *Лекин Машраб Мастуранинг гапларидан эмас, унинг овозидаги*

ғурурдан, болаларга хос самимий қувончдан жилмайди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Элмурод кампирнинг самимий муомаласини кўриб: -Саломат бўлинг, онажон, — деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Самимият билан иш тутувчи, софкўнгил; пок, тоза. *Самимий одам.* ▬ *Шерали бу содда, самимий қизнинг болалардек хатти-ҳаракатини кўриб таажжубланди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Унсиннинг юраги, акасининг юраги каби, Гулнорга нисбатан тоза ҳам самимий.* Ойбек, Танланган асарлар.

САМИМИЙЛАШМОҚ Тобора самимий бўлмоқ, самимийлиги орта бормоқ; самимийлик касб этмоқ.. *Уларнинг муносабати яна ҳам самимийлашди.* ▬ *Қистирма, чандишлар болалар репертуарида ҳозир ҳам анча актив бўлиб, давр тақозосига кўра, тобора такомиллашмоқда, мазмунан самимийлашмоқда.* «ЎТА».

САМИМИЙЛИК Самимий муносабатда бўлишлик. *Обид Йўлдошевич бу табрикнинг қанчалик самимийлигини билмоқчи бўлгандай, Муҳаммаджонга синовчан назар билан тикилиб, раҳмат айтди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Самимийлик қизларнинг келажак ҳаётларида энг зарур ва олижаноб фазилатлардан биридир.* «Саодат». *Бойлик бор жойда самимийлик ўрнини сохталик эгаллайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

САМИМИЯТ [*а.* صميميّت — тозалик, софлик; чинлик, тўғрилик] Чин кўнгилдан, беғараз, сидқидиллик билан қилинган хатти-ҳаракат; самимийлик. *Кўзларида мулойимлик, самимият чироғи парпираб ёниб турарди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Қутидор меҳмонларни ихлос ва самимият билан кутар, зиёфат қуюқ-суюқлари билан тўла-тўкис давом этар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САМИМИЯТСИЗ Самимийликни билмайдиган, риёкор, мунофиқ; сохта, қалбаки. *Самимиятсиз одам.*

САМИМИЯТСИЗЛИК Самимий эмаслик, самимияти йўқлик; риёкорлик, сохталик. *Бу ердаги самимиятсизлик ва мунофиқлик, бир-бирини алдаш Элмурод учун оддий бир ҳақиқат бўлиб қолган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

САММИТ [*ингл.* summit — тепа, юқори, чўққи; юксак даража (да), авж] *сиёс.* Икки ёки бир неча давлат бошлиқларининг муҳим халқаро масалалар бўйича учрашуви; олий даражадаги кенгаш. *Петербургда бўлиб ўтиши кутилаётган саммитнинг асосий иш куни 16 июлдан бошланади.* Газетадан. *Саммит якунида ўндан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди.* Газетадан.

САМО [*а.* سماء — осмон, кўк] *поэт.* Осмон, фалак. *Тиниқ мовий само.* ▬ *О, она сайёра, курраи қутлуғ, Самодан суратинг илк бора кўрдим.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Ҳар вақтдагидан кўркамроқ, тиниқроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқтасида қотган каби.* Ойбек, Танланган асарлар.

САМОВАР [*р.* сам — ўзи + варить — қайнатмоқ] **1** Чой қайнатишга мўлжалланган, сувхонали ва ўтхонали рўзғор асбоби. *Рух самовар. Самовар қайнатмоқ.* ▬ *Самоварда қайнаган чойинг қани, ёр-ёр.* «Қўшиқлар». *Жувон каттакон самовардан тунука чойнакка чой дамлаб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Самовар жиғиллай бошлади, Аваз ўтхонага яна иккита саксовул палён ташлаб, ичкари кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *айн.* **чойхона.** *Мингбоши ўнг томондаги озодароқ самоварга чиқиб.. чилим буюрди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Юсуфжон ака, бу ҳисоб эмас, ҳовлига борамиз, самоварда эмас, бугун бизникида ётиб қоласиз.* К. Яшин, Ҳамза.

Самовар қўймоқ 1) самоварга ўт солиб, чой қайнатмоқ. *Гулнор ўрнидан қўзғалди, дармонсизликдан оёқлари титраб, пастга тушди-да, самовар қўя бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) самоварчилик қилмоқ. *Умурзоқ ота: -У ерда ошнам бор, Ғани, гузарда самовар қўяди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САМОВАРХОНА [самовар + хона] *эск. айн.* **чойхона.** *Саҳннинг шимол томонига бориб, унга туташиб турган самовархона томига чиқиб ўтирдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

САМОВАРЧИ *айн.* **чойхоначи.** *Самоварчиларнинг қўли қўлига тегмайди.* С. Аҳмад, Уфқ. -*Саройдан извошимни олиб чиқ! — деб буюрди Бўронбек Ғани самоварчига.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САМОВАРЧИЛИК Самоварчи бўлиб ишлаш; самоварчи касби. *Бир-икки йил ямоқчилик, ундан кейин Абдусамад қорининг самоварида самоварчилик қилдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қурбон ота қўлидан*

самоварчиликдан бошқа иш ҳам келаётганига, Ўрмонжон айтганидай, янги қишлоқни бунёдга келтиришда қатнашаётганига бениҳоя хурсанд бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

САМОВИЙ [*а.* سماوى — осмонга оид; осмон рангли; илоҳий] *кт.* **1** Осмонга, самога, коинотга оид; космик. *Самовий кемалар. Самовий сирлар.* ▬ *Бу китобчада баъзи бир самовий ҳодисалар ва юлдузлар олами ҳақида маълумотлар берилган.* Газетадан. *-Самовий жисмларнинг аҳволи яқин орада ҳаво айниб, фалокат юз беришидан далолат бераётир, — деди у шерикларига.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 *поэт.* Мовий, ҳаворанг, кўм-кўк. *Самовий кўзларинг сачратиб учқун, Нега тикилади фақат ўшанда?* А. Орипов,

САМОВОТ [*а.* سماوات — «само» с. нинг кўпл.] *поэт.* Осмон, фалак; коинот. *Измимизда эмас бу дунё, Самовотга ўтмас сўзимиз.* Э. Воҳидов, Келажакка мактуб. *Бирдан чирмаб шиддатли чақин, Самовотга солар ялт-юлт из.* Р. Бекниёз, Тўтиё.

САМОГОН [*р.* сам — ўзи + гонять — (спиртни) ҳайдамоқ, тортмоқ] Ғалла, картошка ва б. нарсалардан қўлда тайёрланган хонаки (қўлбола) ароқ. *Яқинда бир гуруҳ милиция ходимлари яширин самогон тайёрловчиларни тутишди.* Газетадан. *Бир куни Степан, бочка ва яшиклар орасига самогон яшираётган йигитни учратиб, кўнглига қўл солиб кўрмоқчи бўлди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Афтидан, улар қишлоқ самогонидан хийла отиб олишганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САМОГОНЧИ Қўлда хонаки ароқ тайёрловчи шахс. *Гладстон Наимийга самогончи дўконларида тўлиб ётадиган лойқа винодан олиб чиқиб, рюмкасига қуйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

САМОДЕРЖАВИЕ [*р.* сам — ўзи якка + держать — тутиб турмоқ, эга бўлмоқ] *тар.* Монархнинг, подшонинг чекланмаган ҳокимияти ва шундай ҳокимият асосига қурилган давлат тузуми, мустабид (подшонинг ёлғиз ўзи қонунлар чиқарадиган) ҳокимият; монархия.

САМОКАТ [*р.* сам — ўзи + катать — ғилдиратмоқ, учирмоқ] Кичик велосипедсимон, тик дастали, иккита ғилдираги ёки ролиги бўлган, бир оёқда ер тепиб, бир оёқни асос тахтачага қўйиб училадиган болалар ўйинчоғи. *Кўчада одам сийрак. Фақат нарироқда болалар самокатда учишар, ғилдиракларнинг вағиллаши қулоқни батангга келтирар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

САМОЛЁТ [*р.* сам — ўзи + летать — учмоқ] Моторли, қанотли, ҳаводан оғир бўлган учиш аппарати. *Пассажир самолёти. Ҳарбий самолёт. Самолёт ҳавога кўтарилди.* ▬ *Осмондаги самолёт, Қанотингни пастлаб ўт, Мен ёримга хат ёзай, Марғилонга ташлаб ўт.* «Қўшиқлар». *Анча олисдан вағиллаб самолёт ўтди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САМОЛЁТСОЗЛИК Самолётлар ва самолёт қисмларини ишлаб чиқариш; саноатнинг самолёт ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тармоғи. *Самолётсозлик заводи.* ▬ *1964 йилда Самара авиация институтининг самолётсозлик бўлимига ўқишга кирган Зулфия ҳаётини самолётлар билан боғлади.* Газетадан.

САМОСВАЛ [*р.* сам — ўзи + свалить — ағдармоқ, тўкмоқ] Юкларни ўзи ағдарадиган кузовли юк машинаси ёки вагон. *Сўнгги самосвал оғир бир силкинди-да, ўрнидан қўзғалиб, ғизиллаганича кетди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Қум ташиётган самосвал машина, ариққа қийшайганча, бир томонга оғиб турибди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

САМОСВАЛЧИ *с.т.* Самосвал ҳайдовчи. *Самосвалчи йигит.* ▬ *Бобош бугун самосвалчи Ҳожиматнинг ишига анграйиб қолди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

САМУМ [*а.* سموم — иссиқ, қайноқ шамол] Қумли чўл-саҳроларда қум уюрмаси ҳосил қилиб кўтариладиган қуруқ иссиқ шамол. *Қорақумдан елиб турган самум қалъани улкан дошқозондек қиздиради.* С. Сиёев, Аваз. *Самум ялаб ўтар яланг тўшини, Бунда ёлғиз гиёҳ — шўраю янтоқ.* Э. Воҳидов.

САМУР [*а.* سمور — сувсар] *зоол.* **1** Сибирь сувсари.

2 Шу ҳайвоннинг териси, мўйнаси. *Самур пўстин.*

САМУРАЙ [*яп.* самурау — хизмат қилмоқ] **1** Ўрта асрларда: Японияда зодагонлар, майда дворянларнинг ҳарбий табақаси.

2 *кўчма* Япон ҳарбий доиралари, умуман, япон ҳарбийлари, аскарлари. *Япон самурайлари ҳамда оқ финлар билан бўлган урушдан кейин, қайтиб келганига энди уч ой*

бўлган эди. Й. Шамшаров, Тошқин. *Дарё бўйидаги қамишзор орасида гоҳ эмаклаб, гоҳ бўйларини ростлаб чопиб бораётган учтўртта самурай кўзга чалинди.* О. Ёқубов, Излайман.

САН I *с.т.* Сен. *-Сан ўғлимсан, — Йўлчига меҳр билан тикилди чол.* Ойбек, Танланган асарлар.

Сан-манга бормоқ Жанжаллашув, тортишув даражасига етмоқ. *Яқинда чойхонада ўтирган улфатлардан биттаси бир-бири билан сан-манга бориб, ҳатто ёқа бўғишгача келиб қолибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

САН II [*яп.* жаноб] Японияда кимсани ҳурматлаб, унинг исми ёки фамилиясидан кейин қўлланадиган мурожаат шакли.

САНА [*а.* سنه — йил] **1** Йил ҳисоби; йил. *Санаи милодий. Санаи ҳижрий. Санаи шамсия. Санаи қамария.* ▬ *..428-санаи ҳижрия, рамазон ойининг биринчи куни.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Бирор воқеа содир бўлган йил, ой, кун ва шу ҳақдаги маълумот (ёзув). *Тарихий сана. Санасини аниқламоқ.* ▬ *Бобур Самарқандни Шайбонийхондан тортиб олгандан бери унинг жасоратига тан бериб шеър ёзганлар, сатрлардан абжад ҳисоби билан ғалабасининг аниқ санасини чиқарган тарихнавислар кўп эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Одамзоднинг тарихий воқеаларга уйғун кўплаб унутилмас саналари бор.* «Саодат».

САНАД [*а.* سند — таянч, тиргак; тилхат, ҳужжат] *эск. кт. айн.* **ҳужжат.** *Сарғайган қўлёзмалар, жимжима хатлар, Мулла боболаримиз чизган санадлар. Варақладим бирмабир ўтмишни эслаб, Асрлар қадамида бир маъно излаб.* М. Шайхзода. *..хон қўлида у айтган сўзлардан бўлак далил йўқ. Исбот керак, санад керак.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

САНАЛМОҚ 1 Санамоқ фл. мажҳ. н. *Кассадаги пул қайта саналди.* ▬ *Кеча якшанба тағин пул саналди. Ҳисоб мўлжалга яқин борди, шекилли, бобо соқолини ямлаганча, маъноли кулиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Боғлама вазифасида келиб, «..деб ҳисобланади» маъносини беради. *Қуён турли об-ҳаво шароитига тез мослашувчи, озиқларни яхши истеъмол қилувчи жониворлардан саналади.* «Фан ва турмуш». *Отам Азизбекнинг мушовири ва яқин мусоҳиби саналса ҳам, лекин бу жузъий ишлардагинадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қовурғаси саналиб қолибди *қ.* **қовурға 1.** *Йўлакнинг ўнг томонидаги бостирмада қовурғаси саналиб қолган тарғил сигир билан шалпангқулоқ бузоқ.* «Ёшлик».

САНАМ [*а.* صنم — бут, санам; манот] **1** Тошдан, ёғочдан ёки металлдан инсон қиёфасида (кўпинча гўзал аёл образида) ясалган ва зийнатланган бут. *Бу вақтда уларнинг ҳаммаси ҳайратдан қотиб қолган, уйнинг бурчагида турган санамга ўхшардилар.* «Шарқ юлдузи». *Тўрдаги деворда оқпошшонинг йирик портрети, унга уй эгаси санамга сажда қилгандай қаради.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Бу даврда будда динига оид турли осори атиқалар, санамлар топилди.* Газетадан.

2 *кўчма* Гўзал, дилбар аёл, нозанин. *Сиздай қизлар бўлди бунда улфатим, Ечиб юбор, санам қизлар, қўлимни.* «Муродхон».

САНАМА Шахмат тартибида оралатиб гул тикиш усули, шундай усулда тикилган гул ва шундай гулли буюм. *Айвонда салла ўраб овора бўлган махдум.. санама тикиб ўтирувчи Раънога: -Йўлакда хотин киши кўринади, хабар ол-чи, болам, — деди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Элликлаб қозиқ лунги, юзлаб санама рўмоллар сандиқларни тўлдирган бўлса ҳам, бу нарса Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

САНАМОҚ 1 Ҳисобламоқ, ҳисоблаб сонини, миқдорини аниқламоқ; ҳисобини олмоқ. *Пул санамоқ. Жуфт-жуфт қилиб санамоқ. Ердан топсанг ҳам, санаб ол.* Мақол. ▬ *Деворнинг пахсасини санаб кўрди, ўттиз пахса.* «Нурали». *У халтачасидаги кумуш тангаларидан санаб, Меъморга узатди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Рақамлар номини айтмоқ. *Кимдандир юзгача санасанг, ухлаб қоласан деб эшитувдим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *«Бир, икки, уч!» деб санаши билан ўзини сувга шалоплаб ташлади.* «Ёшлик».

3 Бирма-бир айтиб ўтмоқ, зикр қилмоқ. *Бош мақола бу одамлар яратган ва яратаётган, тажрибадан ўтган ва ўтаётган янгиликларни бирма-бир санаб.. уларга кенг йўл очиб бериш вазифасини қўяр эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *кўчма* Ҳисобламоқ, ..деб билмоқ. *Ёдгор Дилшоднинг унга яна зарда аралаш қараб қўйганини илғаб олди. Тағин ўзини айбдор санаб, юраги сиқилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *«Гап бу ёқда экан, — ўйлади у ўкинч билан. — Демак, улар мени одам санашмаган».* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бармоқ билан санарли Оз, озгина, жуда оз. **Тоқи (***ёки* **юлдуз) санаб ётмоқ** *қ.* **тоқи. Чучварани хом санамоқ** *қ.* **чучвара. Қадамини санамоқ** Доимий равишда кузатиб юрмоқ. *Унинг сизнинг қадамингизни санашдан бошқа иши қолмаган.* Ойдин, Ҳикоялар.

САНАТОРИЙ [*лот.* sanatorium — даволаниш жойи < sano — даволайман] *қ.* **сиҳатгоҳ**. *Болалар санаторийси. Санаторийда даволанмоқ.* ▬ *Уч аёл санаторийнинг шинам бир хонасида даволанишади.* Газетадан.

САНАЦИЯ [*лот.* sanatio — даволаш, соғломлаштириш] **1** *иқт.* Корхоналар, фирмалар, компаниялар ва б. ни банкротликдан қутқариш, уларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, тиклашга қаратилган давлат ва банк чора-тадбирлари тизими. *Санация қилиш.* ▬ *Санация орқали давлат бозор иқтисодиётига таъсир этади.* «ЎзМЭ».

2 *тиб.* Оғиз бўшлиғини соғломлаштириш бўйича даволаш-профилактика чоралари. *Тишларни санация қилиш.*

САНАЦИЯЛАШ *айн.* **санация 1.**

САНГ [*ф.* سنگ — тош; тарози тоши] *шв.* Тош. *От кўп бўлса, шунга лойиқ чанг қўзғалур, Кучли қўшин тоққа юрса, санг қўзғалур.* К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё. *Айланур инсон бошидан Минг аср осмон юки, Дона буғдой узра гўё Санги тегирмон юки.* Э. Воҳидов.

САНГБЎРОН [*ф.* سنگباران — тош ёмғири] *шв.* Тошбўрон. -*Сангбўрон қилинглар! Уринглар уни! — деди шайх амр қилиб.* К. Яшин, Ҳамза.

САНГДИЛ [*ф.* سنگدل — тош юрак, юраги тош] *поэт.* Тошбағир, тошюрак, бераҳм. *Кимга дод айлай бу бедодингни, эй сангдил, Ошно бўлдим десам, кўнглинг сени бегонада.* Муқимий.

САНГЗОР [*ф.* سنگزار — тошзор, тошлоқ] *шв.* Тошлоқ, тошли жой. *Сарбонни кўмдилар сангзор соҳилга.* Ш. Раҳмон, Гуллаётган тош. *Сангзор бўйларига сеп ёйган баҳор Ва тоғларга осган палагин.* «Ёшлик».

САНГОБ [*ф.* سنگآب — сув солинадиган катта тош идиш; тош суви] *махс.* Тери ошлаш учун қилинган оҳак ёки қум эритмаси. -*Терининг сангобда чиригур сигир бирдан ирғиб ўрнидан туриб, думини хода қилиб, бир қочиб берди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

САНГСАР [*ф.* سنگسر — тош бош] *зоол.* **1** Сувсарнинг бир тури.

2 Шу ҳайвоннинг қимматли териси, мўйнаси.

САНГСОР [*ф.* سنگسار — тош билан уриш, тошбўрон] *шв.* Тошбўрон (жазонинг бир тури). -*Бу гуноҳинг учун эса сени сангсор қилмоқ лозим! — деди у ва ўша онда оломонга юзланиб ҳайқирди.* К. Яшин, Ҳамза.

САНГТАРОШ [*ф.* سنگتراش — тош йўнувчи; ҳайкалтарош] Тоштарош; тош йўнувчи уста. *Баширжон усталар билан хайрлашиб, сангтарош Ашот ҳузурига йўл олди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ишга тушди сонсиз асир, Меъмор, наққош, сангтарош.* Э. Воҳидов.

САНГТАРОШЛИК Тош йўниш, тарошлаш билан шуғулланиш; сангтарош касби. *Мен ўзим нажжорман, сангтарошлик ҳам қиламан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САНДАЛ I [*а.* صندلیّه < *ҳинд.* + *ф.* صندلی — курси, стол] Ўрта Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Японияда маълум бир жойни иситиш учун мўлжалланган манқал; хонанинг ўртасига ёки чеккароқ ерига чорбурчак чуқурчага ўрнатилган, устига кўрпа ёпилиб, атрофига кўрпачалар тўшалган хонтахтадан иборат бўлиб, ичига саксовул ёки кўмир чўғи солинади; танча (қиш совуғида сандалга оёқ-қўлни тиқиб исиниладилар, айни пайтда устига дастурхон ёзиб, ундан стол сифатида фойдаланилади). *Келинчак хокандозда чўғ келтириб, сандал чуқурчасига солди ва устига янги қуроқ кўрпани ёпди.* Газетадан. *Бу уйдаги сандал атрофига шоҳи ва атлас кўрпачалар тўшалган, катта-катта парқу ёстиқлар қўйилган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ундоқ бўлса, олиб киринглар, сандалда исинсин, таом беринглар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САНДАЛ II [*юн.* sandalon < *а.* + *ф.* صندل < *санск.*] *бот.* Ниҳоятда хушбўй, эфир мойига бой, доимий яшил кўп йиллик дарахт (бўёқ ва хушбўй эфир мойлари олишда фойдаланилади). *Анча тузалиб, йўлга чиқиб кетаётган Меъмор, Ҳожитабиб берган сандал ёғочидан ясалган асога тиралиб, хотини билан бир лаҳза гаплашиб қолди.* Мирмуҳсин,

Меъмор. *Хушбўй сандал дарахтидан ишланган миз устида Навоийдан келган олтин боғичли хат турарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

САНДАЛ III [*юн.* sandalion < *а. + ф.* صندل – кавушнинг бир тури] Пошнасиз ёзги енгил оёқ кийими; сандалет, шиппак. *У оёғига доим енгил сандал кийиб юради.* А. Мажидий, Инжиқ зиёратчи. *Уйда оёқ кийими бир неча пар – чувак, маҳси, сандал, калиш, туфлилар.* Ғ. Ғулом.

САНДАЛЕТ [*фр.* sandalette < *лот.* sandalium < *юн.* sandalion < *а.+ф.* صندل] *айн.* **сандал** III.

САНДИРАМОҚ *шв. айн.* **сандироқламоқ.** *Мен билмайман, на ерларда ётибсан, Энасиздай сен сандираб кетибсан.* «Гулнорпари».

САНДИРОҚЛАМОҚ 1 Бекор, бемақсад санқиб, дайдиб юрмоқ, тентирамоқ, санқимоқ. *-Кўчада сандироқлаб юргандан кўра, онангга боқишсанг бўлмайдими, кап-катта қиз, – деди Васила Назаровна унинг гапини эшитмагандай.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Дарбадарликда юрмоқ, тентирамоқ, кезмоқ. *Элчилар маслаҳат қилишиб дейишди: -Мунча одам беҳуда, биёбон чўлларда сандироқлаб буйтиб (бундай қилиб) юрмас.* «Зулфизар билан Авазхон».

САНДИҚ [*а.* صندوق – қути, яшик, сандиқ] Турли буюмларни, бисотларни солиб қўйишга мўлжалланган, очилиб-ёпиладиган қопқоқли, қулф-калитли, яшик шаклидаги уй-рўзғор буюми. *Сандиқ ичида подшоҳ инъом қилган олтиннинг бир қисми ҳамёни билан турган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мен келтирган атласни Ёрим солмас сандиққа.* «Қўшиқлар». *Ёшликдан бошлаб келинойиларининг сандиқларини, қутиларини тинтиб ўрганган Нури.. калити бурнида унутилган бир қутини очди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Пўлат сандиқ Ўт тушганда куймайдиган, ёнмайдиган металл сандиқ: сейф. *Пўлат сандиқда турган векселларни ковлаштириб, сизникини топиб беришимни осон деб ўйлайсизми?* К. Яшин, Ҳамза.

САНДИҚЗАДА [*а. + ф.* صندوقزده – сандиқда уринган] Сандиқда кўп ётавериб, асл сифатини, жилосини, пишиқлигини йўқотган (буюм, мато, кийим-кечак ва ҳ.к.). *Бувимнинг хориждан келтирилган кимхоб камзуллари кўп йиллар сақланиб, сандиқзада бўлиб қолибди.* Газетадан.

САНДИҚСОЗ [*а. + ф.* صندوقساز – сандиқ, қути ясовчи] Сандиқ ясовчи уста; сандиқчи. *Бу йигит сандиқсоздан чиққан ёш шоир Усмонхўжа Зорий эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

САНДИҚСОЗЛИК Сандиқ ясаш касби; сандиқ билан савдо қилиш. *У ерда сандиқсозлик, тунукасозлик дўконлари бор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

САНДИҚЧА Кичкина, жажжи сандиқ; қути. *Бойвачча халталарни ўртага келтириб қўйди-да, миқ этмай ўтирган Қора Қоплонга қараб: -Қани, бу олтин тангалар тўла халталарни сандиқчага жойлаб, хуржунларга солайлик, – деди маккорона илжайиб.* К. Яшин, Ҳамза.

САНДИҚЧИ *айн.* **сандиқсоз.** *Кумуш яна тинчий олмади: -Бизнинг уришиб қолишимиз учун Карим сандиқчининг ҳам дахли бор! – деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САНДОН [*ф.* سندان – темир кунда] Темирчи, мискар ва заргарларнинг қиздирилган металлга ишлов бериш (болғалаш) да унинг остига қўядиган асбоби; темир кунда. *Қудрат ярим вайрона дўконда белигача чуқурга тушиб олиб, узун темир қисқичда қисилган бир юмалоқ темир чўғни сандонда болғаламоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САНДУЛОЧ *эск.* Булбул. *«Девону луғотит турк» да сайрар сандулоч, Кўкшин япроқларда янграйди баҳор.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

САНЖОБ I *шв.* Қаттиқ сиқув, исканжа, тазйиқ. *Санжобга олмоқ.* ▬ *Бир кун ниҳоят учаламиз маслаҳатни бир ерга қўйиб, Ҳакимовни ҳалқумидан бўғгандай санжобга олиб қолдик.* «Муштум».

САНЖОБ II *шв* Бўш; сийрак; кам; холи. *Ҳамма чой ичиб, нон еб хурсандчилик қилди. Шерали ғамгинликда ўтира берди. Одамлар кетиб, санжоб бўлди.* «Эрали ва Шерали». *Йўллар санжоб, ГАИчиларнинг ҳуштаклари ёз, куздагидай асабий чурулламайди.* С. Нуров, Нарвон. *Кимга даркор бунча гап, санжоб қилинг, уламо.* Э. Воҳидов.

САНЖОҚ 1 *эск.* Байроқ, туғ.

2 *эск.* Товус ёки каптарнинг рамзи (тасвири) туширилган мис.

3 *тар.* Усмонлилар даврида Туркияда маъмурий-ҳудудий бирлик (туман, вилоят).

САНИТАР [*лот.* sanitas – соғлиқ, саломатлик] **1** Даволаш муассасаларида, ҳарбий-тиббий қисмларда касалларга қаровчи, тозаликни сақловчи кичик тиббиёт ходими. *Блиндажлар ярадорларга тўла. Афтидан, санитарлар шошиб қолганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Санитарияга оид. *Санитар поезд.* ▬ *Эргашев олдинги позиция томон эмаклаб кетди. Унинг орқасидан санитар сумкаси билан Петров йўл олди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

САНИТАРИЯ [*лот.* sanitas – соғлиқ, саломатлик] Умуман, аҳолини, атроф-муҳитни соғломлаштиришга, тозаликка, гигиеник талаб ва меъёрларга риоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизими. *Биз шаҳарнинг санитария ҳолатини тубдан яхшилаш учун барча чораларни кўрамиз.* Газетадан. *Касалхонага кирган касал санитария ҳақида тушунчага эга бўлиши керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

САНИТАРКА Санитар аёл. *Олға юрганимиз сари орқада ярадорлар чўзилиб қолади. Ана шунда бир санитарканинг мардлигига қойил қолдим.* Ойдин, Ҳикоялар.

САНИТАРЛИК Санитар касби; шу касб билан шуғулланиш.

САНКЦИЯ [*лот.* sanctio – қатъий, ўта жиддий қарор] *ҳуқ.* **1** Ҳужжат, қарор ва ш. к. нинг олий орган томонидан тасдиқланиши, шундай тасдиқ натижасида ҳужжат, қарорнинг қонуний кучга эга бўлиши.

2 Ҳуқуқий меъёрнинг, қонун моддасининг ушбу қонун бузилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар кўрсатиб ўтилган қисми.

3 Халқаро ҳуқуқда: халқаро мажбуриятларга ёки халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилмаган, уларни бузган давлатларга нисбатан қўлланадиган (иқтисодий, молиявий ёки ҳарбий) таъсир чораси. *Бироқ Теҳрон расмийларининг баёнотларига кўра, ҳеч нарса, ҳатто халқаро санкциялар ҳам Эронни ўз ядро дастуридан воз кечишга мажбур эта олмайди.* Газетадан.

4 Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсга нисбатан мажбурий чора (қамоқ, тинтув ва ш.к.) кўриш учун прокурор томонидан бериладиган рухсат.

САННАМОҚ 1 *этн.* Инс-жинсларни қайтариш, кишиларни даволаш учун дуо ўқимоқ. *[Кампир буви] Фолбиннинг «одамлари» эшикни ғирч этиб очиб келиб, тахмон тепасидаги дорга ўтиришини, саннаб ўқиб турган азайимхонни бўғишини кўрган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *этн.* Азада марҳум ҳақида айтиб йиғламоқ. *Аёл ҳамон ўз дардини айтиб саннарди.* «Шарқ юлдузи».

3 *кўчма* Кўп гапирмоқ, вайсамоқ. *Қоринни тўқлаб олган эмасми, Асад жағига зўр бериб саннаб кетди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Саннай-саннай бозорчи хотиннинг қораси ўчди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

САНО I [*а.* ثناء – табрик, саломлашиш; мадҳ, мақтов; миннатдорчилик] *дин.* Худонинг, пайғамбарларнинг шаънига айтилган мақтов сўзлар; мадҳия, мадҳ, ҳамд. *Отанг борми, энанг борми элингда? Худонинг саноси борми тилингда?* «Равшан».

2 Умуман, мақтов, мадҳия. *Зикри сано тилида, Тилло камар белида.* «Ҳасанхон». *Гуллар қўшиғи Наргизнинг мислсиз ҳусну жамолини, унинг ёрига чексиз садоқатини сано этмоқда эди.* Ш. Рашидов, Асарлар.

САНО II [*а.* صنعاء – Сано шаҳри] *бот.* **санойи макка** [*а.* صنعائى – Сано шаҳрига мансуб] Асосан тропик ва субтропик ўсимлик, кўп йиллик ўт, бута ва дарахтларнинг умумий номи ва унинг табобатда сурги дори сифатида қўлланадиган барги. *Санонинг барги таркибида ични юмшатувчи антрагликозидлар бор.* «ЎзМЭ».

САНОАТ [*а.* صناعت – санъат, маҳорат; касб-ҳунар; ишлабчиқариш, индустрия] Халқ хўжалигининг хомашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш воситаларини ва кенг истеъмол молларини яратиш ва ш.к. ни қамраб олувчи тармоғи; индустрия. *Оғир саноат. Енгил саноат Озиқ-овқат саноати. Саноат маҳсулоти.* ▬ *Водийда саноат корхоналарининг қурилиши кўплаб одамларнинг иш билан таъминланишига сабаб бўлди.* Газетадан.

САНОАТЛАШТИРИШ *айн.* **индустр(ия)лаш.** *Мамлакатни саноатлаштириш.*

САНОАТЧИ Саноат корхоналарига эга бўлган шахс. *Америка саноатчилари.*

САНОБАР [*а.* صنوبر – қарағай] **1** *бот.* Қарағайгуллилар оиласига мансуб, доим яшил манзарали дарахт; қарағайнинг бир тури. *Қоматинг гулшандаги сарву санобар-*

дин баланд.. Фурқат. *..қийшайиб ўсган ёлғиз санобар остидаги ёғоч ўриндиқда чекиб ўтирган эди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

2 *поэт.* Қадди-қомати келишган, хушқомат, сарвқомат.

3 Санобар (хотин-қизлар исми).

САНОЙИ [*а.* صنائع — санъатлар]: **санойи нафиса** *эск. кт.* Нафис, бадиий санъат. *Шаҳардаги бир қанча мактабнинг санойи нафиса тўгараклари иштирокида беш пардали катта концерт берилди.* А. Қаҳҳор, Ҳикоялар.

САНОЧ *тар.* Теридан қилинган идиш; тери тўрва; меш, мешкоб. *Хазиначининг айтишича, унинг хуржунида икки саноч олтин бор экан.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *У* [*Лола*] *бир саноч қимиз билан катта заранг косада яхна гўшт, нон олиб чиқди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. *Убайдулла ака қўли саночдаги қимиздан косага қуйиш билан банд..* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

САНОҚ Доналаб санаш, ҳисоблаш ва ундан олинадиган натижа. *Саноқдан адашмоқ. Саноғига етолмаслик.* ▬ *Тўғонбек.. ёзувчизувга, саноққа берилиб, дастурхонга қарамади ҳам.* Ойбек, Навоий.

Саноқ комиссияси Сайловда у ёки бу шахсга берилган (ошкора ёки яширин) овозларни ҳисоблаб чиқувчи ҳакамлар. **Саноқ сон** *тлш.* Предметларнинг сонини, саноғини билдирувчи, қанча?, неча? сўроғига жавоб бўлувчи сон тури. **Саноғи йўқ** Беҳисоб, жуда кўп, сон-саноқсиз. *Пул десанг, саноғи йўқ. Санаб тамом қилиб бўлмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сонда бор, саноқда йўқ** Айрим обрў-эътиборини йўқотган, назардан қолган шахслар ёки сифатсиз, қадрсиз буюмлар ҳақида айтиладиган ибора. *Боқи энди сонда бор эди-ю, саноқда йўқ эди.* С. Аҳмад, Сайланма.

САНОҚЛИ 1 Санаб қўйилган, саноғи маълум, ҳисобли. *Саноқли пул. Саноқли мол йўқолмас.* Мақол.

2 *кўчма* Бир нечагина, жуда оз. *Май байрамига саноқли кунлар қолган эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ҳозирча гуруҳимизда саноқли одам бор.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САНОҚСИЗ 1 Саналмаган, ҳисобланмаган.

2 *кўчма* Беҳисоб, жуда кўп, сон-саноғи йўқ. *Ҳозирча ой чиқмаган, саноқсиз юлдузлар, ўз раҳнамоларидан жудо бўлган етимчалардек, атрофга мўлт-мўлт жавдирашарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

САНСАЛОР: сансалор бўлмоқ Бирор иш, юмуш бажарилмай арасотда қолмоқ. *Ясли-боғча учун етарли миқдорда мебель келтирилиши керак эди. Аммо бу иш сансалор бўлиб қолган.* Газетадан. **Сансалор қилмоқ** Бирор ишни, юмушни бажаришдан ўзини четга олмоқ, бир-бирига солиб ишни чўзмоқ, мен қилмайман, сен қил, деб орқага судрамоқ.

САНСАЛОРЛИК Бирор иш, юмушни бажаришдан ўзини тортишлик; бир-бирига солиб, муаммони ўз вақтида ҳал қилмаслик; пайсалга солиб чўзишлик. *Расулжон буларнинг ҳаммасини кўрди, ўрганди, айниқса, ободончилик соҳасидаги ўрнашиб олган сансалорликдек ярамас иллатни фаҳмлади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

САНСАЛОРЧИ Бирор ишни, юмушни бажаришдан ўзини тортувчи, бошқаларга ташлаб қўювчи; ишёқмас, лоқайд. *Сансалорчи пешонасини қашлаб, ўйланиброқ тураркан..* Газетадан.

САНСАЛОРЧИЛИК Сансалорликка йўл қўйиш; ишни пайсалга солиб, бошқаларга ташлаб кечиктириш. *Сансалорчилик бор ерда ривожланиш бўлмайди.*

САНСАНЛАМОҚ *с.т. қ.* **сенсирамоқ.** *Ҳожи Зокир энди кампирни сансанлаб, унга дўқ урарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

САНСИРАМОҚ *шв. қ.* **сенсирамоқ.** *-Қол, — Содиқ энди сансирашга ўтибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САНСКРИТ [*ҳинд.* санскрит — такомиллаштирилган, қайта ишланган; тузатилган; мумтоз] Ҳинд-европа тиллари гуруҳига мансуб қадимги ҳинд адабий тили (Бу тилда милоддан аввал диний, фалсафий, бадиий ва илмий адабиётлар яратилган). *Араб, юнон, санскрит, қадимги славян тилларида бирлик, иккилик категориялари мавжуд бўлган.* «Фан ва турмуш».

САНТАЛ *қ.* **сандал** II.

САНТАЛАТ *с. т. қ.* **салтанат 1.** *Неча дағдаға, санталат билан Юсуф билан Аҳмаднинг олдига етди.* «Юсуф билан Аҳмад»

САНТИ- [*лот.* centum — юз] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз билдирган асосий ўлчов миқдоридан 100 марта кичикликни билдиради; мас., 1 см = 0,01 м.

САНТИГРАММ [санти.. + грамм] *махс.* Граммнинг юздан бир улушига тенг оғирлик ўлчови.

САНТИМЕТР [санти.. + метр] *махс.* Метрнинг юздан бир улушига тенг узунлик ўлчови. *Қалдирғочнинг қанотлари узун ва тор, танасининг узунлиги 10—23 сантиметрга етади.* «Фан ва турмуш».

САНЧИЛМОҚ 1 Санчмоқ 1, 2, 4 фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Болалар гулхан атрофида ўйнашарди, баъзилари қор устида чўққайиб, баъзилари шохлари қорга санчилиб чўзилиб ётган арча устига миниб олишганди.* Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор. *Бойнинг ҳар бир сўзи Раҳим домлага найзадек санчилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Дабдурустдан берилган бу савол оғир юк бўлиб, елкасидан босди, дилига наштардек санчилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма* Тик бориб туташиб кетгандек туюлмоқ, қадалмоқ. *Боланинг хаёли шу тобда қуёшнинг олтин тиғлари санчилиб турган баланд гумбазда.. эди.* К. Яшин, Ҳамза.

САНЧИҚ 1 Учли нарса қаттиқ санчилаётгандек туюладиган ўқтин-ўқтин оғриқ. *Баногоҳ Омонгулнинг биқинига санчиқ турди.* «Ёшлик». *[Дилбархон] Ҳусанжон билан Ҳасанжонга ҳомиладор бўлди-ю, қаёқдандир мия санчиғи пайдо бўлди.* Х. Тўхтабоев, Садоқат.

2 *кўчма* Аччиқ, кинояли гап; аччиқтирсиқ. *Сўзнинг ёмони — санчиқ, дарднинг ёмони — қуёнчиқ.* Мақол. ▬ *Бола болалик қилиб, саволдаги санчиқни тушунмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САНЧИҚЎТ *бот.* Айиқтовондошлар оиласига мансуб, қизғиш гулли, сершох кўп йиллик ўт. *Санчиқўтнинг экстрактлари қонни тўхтатиш ва қон босимини кўтариш хусусиятига эга.* «ЎзМЭ».

САНЧМОҚ 1 Учи ўткир нарсани куч билан босиб ёки зарб билан уриб киргизмоқ; суқмоқ, тиқмоқ, ботирмоқ. *Холмат иккинчи рақибининг кўкрагига қилич санчди, бироқ ўзи ҳам бошидан яраланди.* Н. Сафаров, Оловли йиллар. *Тўтиқиз дўппи хомини тиззасига қўйиб, секин игна санчди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мингбоши худди орқасига биров бигиз санчиб олгандек сакраб тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қадамоқ, тақамоқ. *Анвар югуриб келиб, ёрлиқни олиб ўпди ва уни салласига санчиб, орқаси билан юриб, илгариги ўрнига бориб тўхтади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Бирор нарса санчилгандек, ўқтин-ўқтин оғримоқ. *Бу воқеани эшитиб, Меъморнинг юраги санчиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шерзод кўкрагининг қаттиқ санчганидан уйғониб кетди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

4 *кўчма* Аччиқ гап билан узиб олмоқ, чақмоқ. *Қози ҳам, Асад қори ҳам жадид мактабига қарши эдилар. Шунинг учун Асад қори гап билан нишини яна Ғуломжонга санчди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САНЧҚИ 1 *денг.* Денгиз ҳайвонларини ов қилишда қўлланадиган махсус асбоб; найза. *Пирнафас ака қайиқ, тўр, чўлпи ва санчқи сотиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *айн.* **вилка.** *Темиржон бир қўлида китоб, иккинчиси билан санчқида чучвара илиб ея бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

САНЪАТ [*а.* صنعت — иш, меҳнат; маҳорат; касб-ҳунар] **1** Ижтимоий маданиятнинг эстетик завқ берувчи, мусиқа, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик каби воқеликни бадиий образлар воситасида акс эттирувчи ҳар бир айрим соҳаси. *Тасвирий санъат. Меъморлик санъати. Санъат ва адабиёт.* ▬ *Дунёдаги ҳар қайси соҳа ўз санъатига ва ўз маданиятига эга.* «Ёшлик». *Кинематографчилар ўз ижодий режалари, кино санъатини ривожлантириш тўғрисидаги ўйлари билан ўртоқлашдилар.* Газетадан. *Заргарлик санъати энг кўҳна санъатлардан бири бўлиб, у декоратив-амалий санъат хили сифатида кенг тарқалган.* Газетадан.

2 Турли амалий-татбиқий соҳаларнинг ўзига хос иш услуби, системаси. *Ҳарбий санъат.* ▬ *Уч-тўрт километрга чўзилган тепалик ҳарбий-инженерлик санъати билан узоқ йиллар давомида қурилган мустаҳкам қалъага ўхшарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *кўчма* Муайян фаолият соҳасидаги юксак маҳорат, усталик; истеъдод. *Сўз санъати. Нотиқлик санъати.* ▬ *Ёш хонандалар, раққосалар ўз санъатларини намойиш этдилар.* Газетадан. *Фурсатдан фойдаланмоқ ўзи бир санъат, ҳунар.* Қ. Муҳаммадий. *Кулдиришга санъат керак, кулишга соф юрак.* Газетадан.

4 Адабиётшуносликда: бадиий асар поэтикасини таъминловчи восита. *Талмеҳ санъ-*

ати. ▬ *Ружуъ – маънавий санъатлардан бири бўлиб, арабча «қайтиш» демакдир.* «ЎТА».

5 Санъат (хотин-қизлар ва эркаклар исми).

САНЪАТКОР [*а.* + *ф.* صنعتکار – санъат билан шуғулланувчи, маълум бир санъат эгаси; ҳунарманд] **1** Санъат соҳиби, санъатнинг бирор соҳасини эгаллаган ижодкор; санъатчи. *Санъаткорлар оиласи.* ▬ *Ҳозир ажойиб санъаткор, халқнинг меҳрини қозонган хушовоз хонанда Таваккал Қодиров ижодининг авж пардасига етган пайт.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Фестивалда ўз фильмларини намойиш қилаётган санъаткорлар ҳар қанча фахрлансалар, ўзларини бахтиёр ҳис қилсалар арзийди.* Газетадан.

2 Юксак маҳоратга эга бўлган; яратувчи. *Ҳа, Ойбек улкан сўз санъаткоригина эмас, фаол устоз, меҳрибон мураббий ҳам эди.* Газетадан. *..Санъаткор табиатнинг мўъжизалари билан кўришмай, танишмай ўтиб кетаётган одамлар ҳам кўп.* А. Мухтор, Чинор.

САНЪАТКОРЛИК Санъат билан шуғулланиш, санъаткор бўлиш. *Санъаткорлик – унга ота касб.* ▬ *Тавба, бир-иккита чиқишдан сўнг машҳурлик, санъаткорлик мақомини даъво қилаётганларни тушуниш қийин.* Газетадан.

2 Маҳорат, моҳирлик. *Улуғ аждодларимиз Самарқанд, Қўқон, Хива шаҳарларида бетакрор ислом обидаларини катта санъаткорлик билан яратишган.* Газетадан.

САНЪАТКОРОНА [*а.* + *ф.* صنعتکارانه – маҳорат, моҳирлик билан; санъаткор каби] *рвш.* Юксак дид, санъат билан; моҳирона. *Санъаткорона ўйилган нақшлар хонага алоҳида кўрк бериб турар, ганч сувоқ ойнадек ялтиллар эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

САНЪАТЧИ *айн.* **санъаткор 1.** *Минбарда фақат санъатчилар қолишди. Сўзлар ғилофларидан чиқарилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

САНЪАТШУНОС [санъат + *ф.* شناس – ўрганувчи] Санъатшунослик мутахассиси. *Санъатшунос олим.* ▬ *Санжар Сиддиқов.. тарихчи, публицист, таржимон, тақризчи, санъатшунос ва педагог эди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

САНЪАТШУНОСЛИК Санъат ва унинг турларини ўрганадиган фан; санъат назарияси. *Санъатшунослик тадқиқотлари.* ▬ *Муҳокамада санъатшунослик доктори Ж. Тешабоев маъруза қилди.* Газетадан.

САНҚИ, санғи Сандироқлаб бекор юрадиган; бекорчи, саёқ, дайди. *Э, санқи бўлмай ўлсин Шотурсун ҳам! Ўшанинг дастидан ҳеч тинчлик йўқ менга!* Ф. Мусажонов, Сабоқ.

САНҚИМОҚ, санғимоқ Сандироқлаб, дайдиб бекор юрмоқ; саёқлик қилмоқ. *Ўрмонжон.. ҳар қаерларда санғиб юрадиган бебош бола эмасди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Ҳов, ким у бемаҳалда санқиб юрган нобакор?!* С. Сиёев, Ёруғлик.

САОДАТ [*а.* سعادت – бахт, омад муваффақият; хотиржамлик] **1** Энг катта бахт, юксак иқбол. *Ҳалол меҳнат – яхши одат, берур сенга саодат.* Мақол. ▬ *Мен висол қувончидан ял-ял ёнган икки ёшга бахту саодат тиладим.* Газетадан. *Шоир бўлиб шодлик ва бахтни Куйламоқлик – зўр саодатим.* Ҳ. Олимжон.

2 Саодат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

САОДАТЛИ Бахт-иқболга эришган; бахтли, бахтиёр. *Бу бино Кумушнинг ўз уйи бўлиб, бу уй ичида Отабекнинг саодатли кунларининг ширин хотиралари сақланар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бахтли ва саодатли яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.* Газетадан.

САОДАТМАНД [*а.* + *ф.* سعادتمند – бахтли, роҳат-фароғатли] *кт. айн.* **саодатли**. *Саодатманд одам.* ▬ *Оллоҳ таоло карами билан.. бу саодатманд кунга эришди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

САПЁР [*фр.* sapeur < saper – ерости йўли, лаҳим қазиш] *ҳарб.* Инженерлик қўшинлари ҳарбий қурилиш қисмларининг солдат ёки офицери. *Бу ердан йигирма километр нарида сапёрлар ҳозир қудуқ қазишяпти.* О. Ёқубов, Излайман.

САПСАН Лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш (ов қуши сифатида фойдаланилади). *20-аср ўрталарида сони камайиб кетганлиги туфайли АҚШ, Канада, Германия, Швеция ва бошқа мамлакатларда сапсанни тутқунликда кўпайтириш йўлга қўйилди.* «ЎзМЭ».

САПСАР 1 *с. т. қ.* **сафсар.**

2 Оч бинафшаранг, бинафша. *Сапсар бўёқ. Сапсар ипак.*

САПФИР [*юн.* sapphieros < *қад. яҳ.* саппир – кўк тош] Шаффоф, тиниқ кўк ранг-

ли қимматбаҳо тош; кўк ёқут. *Сапфир саноатда сунъий йўл билан ҳам олинади.* «ЎзМЭ».

САПЧА Пишиб етилмаган кичкина қовун; хомак. -[*Бозорда*] *Қовун туширадиганларга ёрдамлашаман, сапча беришади, — деди Отабой.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Энгашиб, палакларни титиб қарасанг, тугунак, сапча, хомаклар қийғос..* Н. Фозилов, Дийдор.

САПЧАЛАМОҚ *шв.* Сапча тугмоқ, хомакламоқ *[Холбойнинг] Қовунлари сапчаладди.* К. Яшин, Ҳамза.

САПЧИМОҚ 1 Кескин ҳаракат қилиб, бирор кимса ёки нарсага ташланмоқ, ўзини (юқорига) отмоқ. *Рустам.. қисилган пружинадек осмонга сапчиди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [*Хушрўй*] *Иккинчи ва учинчи кунларда тўппа-тўғри кундош устига сапчийди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хазон уюмларини оқизиб келаётган тиниқ сумбула суви қирғоққа сапчир эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Умуман, кескин ҳаракат қилмоқ; сакрамоқ, ирғимоқ, тўсатдан ўрнидан турмоқ; ирғиб туриб кетмоқ. *Жувон бехос ток ургандек бир сапчиб тушди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Раис, бехос сапчиган от устидан учиб тушай деди-ю, ўзини ўнглаб олиб, жиловни қаттиқ тортди.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Бирдан аёл кишининг ўкраб йиғлаган овозини эшитиб, сапчиб ўрнидан турди-да, Қашқарча томон югурди.* К. Яшин, Ҳамза.

Бетига сапчимоқ Шартакилик билан жавоб қайтармоқ. **Ерга урсанг, кўкка сапчийди** Жуда шўх, тўполончи, шумтака болалар ҳақида айтиладиган ибора. *Исломбек жуда шўх бола бўлган, нақ ерга урсанг, кўкка сапчийди.* «Ёшлик». **Сапчиб кетмоқ** (*ёки* **тушмоқ)** Ташқи таъсир натижасида сесканиб ёки чўчиб, қўрқиб, ўрнидан кескин қўзғалиб қўймоқ; қалқимоқ. *Абдуқодирбой ўғлининг «шаккоклигидан» сапчиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза. -*Заҳар ичибди! — деди табиб. Отабек сапчиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САР [*ф.* سر — бош, калла; бошланиш; уч, чўққи; энг яхши] *кам қўлл.* Бош, калла. *Саф-саф тизилиб Сафсар оёғингга қўйиб сар, Банд-банд узилиб, Жоним билан банда бўлибдур.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

САРА [*ф.* سره — тоза, аралашмасиз; олий, юқори сифатли; танланган, энг яхши] Энг яхши, аъло, сархил, танланган. *Сара уруғ — бўлиқ ҳосил.* Мақол. *Узумнинг сарасин ит ейди, Олманинг сарасин қурт ейди.* Мақол. ▬ *От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси, Урушда билинар марднинг сараси.* «Алпомиш». *Тўпламга шоирнинг энг сара масаллари танлаб киритилган.* Газетадан. *Биринчи ва иккинчи гуруҳлар ясоғлик уйларда ўтиришади. Овқатларнинг сараси уларга тортилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

САРАК [*ф.* سرک — қўшимча, устама (ҳақ); ортиқлик, мўллик] *айн.* **сара.** *Бу ойда экинларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралади.* Газетадан. *Ҳокимият қўлга текканда, дарров одамларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралди-қолди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Учи синмаган, бутун (тухум ҳақида).

САРАКЛАМОҚ *шв. айн.* **сарак-сарак қилмоқ** *қ.* **сарак-сарак.** *Жамолиддин бошини сезилар-сезилмас сараклаб, нонни кўзларига суртди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. -*Бай-бай-бай.. чол қурғурнинг иқболини кўринг! — деди бошини сараклатиб Мирҳожи.* Ойбек, Улуғ йўл.

САРАК-САРАК: сарак-сарак қилмоқ Бошини у ён, бу ён чайқатмоқ; силкитмоқ, қимирлатмоқ. *Ниёз тоға бошини сарак-сарак қилиб, ташқари чиқиб кетди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

САРАЛАГИЧ Чигит ёки ғалланинг чиқиндиларини ёки сараларини ажратадиган, сархиллайдиган асбоб ёки машина. *Чигит саралагич.*

САРАЛАМОҚ 1 Сараларини ёмонларидан ажратмоқ, сархилларини термоқ, хилламоқ, танламоқ, ажратмоқ. *Кўчатларни сараламоқ.* ▬ *Анор серташвиш нарса: уз, сарала, ташиб ол, анор тупини ерга кўм.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Танламоқ, ажратмоқ. *Умарни биласан, одамларни саралаб чақирган.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

САРАЛАШ 1 Сараламоқ фл. ҳар. н. *Уруғликни саралаш.*

2 Чорвачилик ва паррандачиликда: наслдор ҳайвонлар ва паррандаларни селекцион белгиларнинг авлоддан авлодга ўтиш хусусиятини сақлаб қолиш мақсадида режа асосида чатиштириш. *Чорвачилик селекциясида саралаш усуллари ва шаклларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган.* «ЎзМЭ».

3 *спрт.* Мусобақа ёки чемпионат финалига чиқувчи жамоаларни аниқлаш мақсадида тегишли спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш. *Грузия терма жамоаси футболчилари Европа чемпионати саралаш учрашувини 2 сентябрь куни ўз майдонларида бошлайдилар.* Газетадан.

САРАМАС [*ф.* سرآماس – шишган бош; бошдаги шиш] *тиб.* Терининг, кўпинча бурун атрофининг, баъзан шиллиқ пардаларнинг яллиғланиши; тез тарқаладиган ўткир юқумли касаллик. *Сарамасга шубҳа туғилганда, дарҳол врачга мурожаат қилиш лозим.* «ЎзМЭ».

САРАНГ *шв. кам қўлл.* Нима қиларини билмай саросималанмоқ, гаранг бўлмоқ. *-Ана шу чалкашлик туфайли, яъни қандай китоб қаерда, қачондан бери ётганини аниқлай олмай сарангмиз, – деди Исмоилов.* «Муштум». *Диққати ошиб, анча саранг бўлиб тургач, отга бир амаллаб миниб олди-да, алланималар дея ғулдураганча, отни лўкиллатиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

САРАНДОЗ [*ф.* سرانداز – аёлларнинг бошга ўрайдиган рўмоли] Тўйда, саломда келиннинг бошига ёпиладиган, нафис, оқ матодан тикиладиган тўр. *Дастлаб безаксиз бўлган, кейинчалик сарандоз атрофига гир айлантириб ҳошия нақшли кашталар тикиб, четига уқалар тутиб безатила бошлаган.* «ЎзМЭ».

САРАНЖОМ [*ф.* سرانجام – охир, интиҳо, хотима; ниҳоят, охир-оқибат] **1** Ҳамма ишни тартиб билан, жой-жойига қўйиб бажарадиган, тартиблиликни хуш кўрадиган, уй-рўзғорини, асбоб-анжомини батартиб тутадиган, саришта. *Саранжом аёл. Саранжом ходим.*

2 Ҳамма нарса тартибга солинган, жой-жойида, батартиб; ораста, озода, саришта. *Саранжом ҳовли.* ▬ *Ҳамма нарса ўз ерида, саранжом эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Саранжом(ини) олмоқ Уй-рўзғор юмушларини тартибга солмоқ; буюм ва жиҳозларни йиғиштириб ёки жой-жойига қўйиб тинчимоқ, хотиржам бўлмоқ. **Саранжом топмоқ** 1) йиғиштирилмоқ; тартибга келмоқ, жой-жойига тушмоқ. *Ҳамма ишлар саранжом топгандан сўнг.. тантана билан йўлга тушишди.* Ойбек, Навоий; 2) *кўчма с. т.* жой-жойини топиб кетмоқ, йўқ бўлмоқ. *Отасидан қолган нарсалар аллақачон саранжом топиб кетди.* **Саранжом қилмоқ** 1) йиғиб-териб, жой-жойига қўйиб тартибга келтирмоқ, саранжомламоқ. *Қурбонбой уйни саранжом қилиб бўлгандан кейин ҳовлида анча айланиб юрди.* С. Аҳмад, Сайланма; 2) *кўчма с. т.* ўзлаштириб юбормоқ, ўғирламоқ; гум қилмоқ. *Ҳисобчи.. шу йилнинг ўзидаёқ колхознинг ўнлаб қўйини саранжом қилиб юборди.* «Муштум»; 3) *кўчма с. т.* ўлдириб, йўқ қилмоқ, гумдон қилиб юбормоқ. [*Мастура Гулжонга:*] *Матқосимбойни саранжом қилишибди.* Ҳамза, Паранжи сирлари; 4) сўйиб, калла-поча ва гўштини ажратиб қўймоқ (қўй, мол ҳақида). *Бир барра қўзи бор эди, ота ҳозир шуни саранжом қилиб кирди.* Н. Фозилов, Дийдор.

САРАНЖОМЛАМОҚ 1 Саранжом қилмоқ, тартибга солмоқ, йиғиштирмоқ, саранжом-саришта қилмоқ, (буюмларни) жой-жойига қўймоқ. *Умар идорадаги қоғозларни саранжомлаб, ўзи ҳаммадан кейин кетди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 *кўчма с. т.* Ўзлаштириб юбормоқ, ўғирламоқ, гум қилмоқ, йўқ қилмоқ. *Мукофотга бериладиган машинани ҳам саранжомлабди, азаматлар.* Газетадан.

3 *кўчма с. т.* Зимдан тинчитмоқ, жонига қасд қилмоқ; гумдон қилиб юбормоқ. *-Иккитасини ер тишлатаман, – деди шивирлаб Худойбердиев шеригига. – Аввал олдингисини саранжомлайман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

САРАНЖОМ-САРИШТА *қ.* **саранжом 1-2.** *Саранжом-саришта хотин. Саранжом-саришта уй.* ▬ *Хонадон соҳиби жуда саранжом-саришта одам эди.* «Шарқ юлдузи». *Ҳамма ёқ саранжом-саришта, покиза бўлиб турмаса, балога қоламан.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

САРА-ПУЧАК Сара ва пучак. *-Мана бу.. йигитнинг касблари чойфурушлик бўлса ҳам, хушхатликда, шеърни чиройли ўқиш ва сара-пучакка ажратишда каттагина фазилат эгаси, – деди Йўлдош.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

САРАСОБ: сарасоб солмоқ *шв.* Кўз ташламоқ, кузатиб турмоқ; эътибор бермоқ. *-Мен олдин сарасоб солмаган эканман, – дейди Салтонбу.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Атрофга сарасоб солдим-да, унга дўсти бўлмиш Пашканинг саломини етказдим.* «Шарқ юлдузи».

САРАТОН [*а.* سرطان – қисқичбақа] **1** (С-*катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Жавзо ва Асад буржлари ўртасида жойлашган. *Саратон ўрта кенгликларда куз, қиш ва эрта баҳорда кўринади.* «ЎзМЭ».

2 Шамсия йил ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи (22 июнь – 21 июль даврига тўғри келади). *Саратон кирди. Бировнинг ишига саратонда қўл музлайди.* Мақол. ▬ *Саратон кирмасданоқ Қоҳирада ҳаво қизиб кетади.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар. *Кўчага чиқишим билан саратоннинг иссиқ тафти юзимга гуп этиб урилди.* Газетадан. *Саратон чоғи бу, зарра шамол йўқ, Тутлар кавагида мудрар ғурраклар.* А. Орипов.

Саратоннинг сариқ куни Саратоннинг энг иссиқ кунлари.

3 *тиб.* Рак касаллиги; рак. *Саратон касаллиги.*

4 *зоол.* Дарахт, бута ва ўсимликларнинг барг ширасини сўриб зарар келтирувчи ҳашарот тури.

САРАТОНГУЛ [саратон + гул] Пиёздошлар оиласига мансуб, саратонда гуллайдиган кўп йиллик ўт. *Саратонгул совуққа чидамли, манзарали ўсимлик.* «ЎзМЭ».

САРАТОНИЙ Эртапишар ёзги олма нави.

САРАХБОР [сар + ахбор] Шашмақомнинг ҳар бир мақомда ашула бўлими бошланадиган биринчи, бош шўъбаси. *Ўз навбатида, ҳар бир сарахборнинг бир неча (6 тагача) тароналари мавжуд.* «ЎзМЭ».

САРАФАН [*қад. р.* сарафан – эркаклар чакмони < *ф.* سروپا – бир сидра кийим; ҳукмдор томонидан тухфа қилинган кийимбош] Хотин-қизларнинг енгсиз узун кенг уст кийими. *Юпқа матодан сарафан кийган қизжувонлар тикув машиналари ёнида саф-саф бўлишиб, кийим тикишяпти.* С. Умаров, Бирбирига устоз.

САРАФРОЗ [*ф.* سرافراز – боши юқори кўтарилган; мағрур, ғурур-ифтихорли] Бирор мартабага кўтарилган, бирор инъом билан тақдирланган, эъзоз ва эътиборга лойиқ этилган; хурсанд, шод. *Сарафроз қилмоқ (айламоқ).* ▬ *Қадами муборакლари билан бизни сарафроз айладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Устоз қуёш каби ўз юлдузларин Нури зиё билан этар сарафроз.* М. Абдурасулов. *-Мақсадимизни равшан қилиб айтсак, бизни фармони ҳумоюн билан сарафроз қилсангиз, – деди Навоий подшога.* Ойбек, Навоий.

САРБАДОРЛАР [*ф.* سربدار – боши дорга осилган; бошини дорга тиккан] Мўғуллар зулмига қарши халқ қўзғолони қатнашчилари. *Сарбадорлар давлати 50 йилча ҳукм сурди.* «ЎзМЭ».

САРБАЛАНД [*ф.* سربلند – боши юқори кўтарилган: машҳур, номдор; пок, софдил] *поэт.* Баланд, тик, юқори, улкан. *Ўт ёқиб кетдинг юракка, Мен тиярман кўз ёшим, Чунки истарман: бу гулхан Доим ўлсин сарбаланд.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Қор каби покиза, тоғдек сарбаланд, Ўтюрак инсонлар дийдори – армон.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кечаги сайҳонда, чакалакзорда Сарбаланд бинолар саф тортган, гўзал.* М. Икром, Кўнгил гули.

САРБАСАР [*ф.* سربسر – барча, бутун, тўлиғича] *поэт.* Бошдан-оёқ, бирма-бир, кетма-кет. *Она ғознинг тўши каби юмшоқ қор Сукут билан қуйилади сарбасар.* Ғ. Ғулом.

САРБАСТ [*ф.* سربست – эркин, озод; боши боғлиқ: қийин, мушкул; берк, ноаниқ] **1** Эрки ўзида, эркин, мустақил. *У сарбаст, зийрак, ҳаракатлари дадил, сўзлари ўткир, ўртоқлари орасида онабош қиз.* Ойбек, Улуғ йўл. *У ўзини юрт оғасидек эркин, сарбаст тутаётган Тешабойнинг мингбоши бўлиб келганми-йўқлигини билишни истар, билолмай тажанг бўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шеър вазни турларидан бири. *Эркин шеър ижодкорлари сафида энг забардаст санъаткорлардан бири бўлган Шайхзода сарбаст вазнида ижтимоий-сиёсий масалаларни ёритишга интилди.* «Шарқ юлдузи».

САРБАСТЛИК Эркинлик. *Чоғир тилларга ва ҳаракатларга сарбастлик берди.* Ойбек, Навоий.

САРБОЗ [*ф.* سرباز – бош ўйнатувчи: бошни, жонни фидо қилувчи] *тар.* Амир, хон қўшинининг оддий пиёда аскари; аскар, солдат. *Ҳар уйда, ҳар кўйда мудҳиш жанг бўлди, Қалъа сарбозлари ҳангу манг бўлди.* М. Шайхзода. *Қуролли сарбозлар дарвозадан отилиб чиқишди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сарбозлар, асосан, пиёда қўшинларни ташкил этган.* «ЎзМЭ». *Отлар майдонда кишнашди, Сарбозлар найза ушлашди.* «Гулшанбоғ».

САРБОЗХОНА [сарбоз + хона] *тар.* Сарбозлар турадиган, истиқомат қиладиган жой, аскархона. *Карим охун кундуз кунлари*

сарбозхоналарда бўлар, ҳарбий машқлардан сўнг, кеч киргач.. тўғри Кофиробод гузарига йўл оларди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

САРБОН [*ф.* ساربان – туя боқувчи, туя ҳайдовчи: бошлаб борувчи] **1** Карвонбоши; туякаш. *Сарбон чол бош чайқайди, Туясини ниқтайди.* Х. Даврон.

2 *кўчма* Йўлбошчи, раҳбар, раҳнамо. *Бригадани олдинга бошлашда Рустам сарбон бўлиб қолди.* А. Эшонов, Сарбон. *Агар ҳаёт бўстон эса, боғбон муаллим, Агар ҳаёт карвон эса, сарбон муаллим.* Шуҳрат, Сенинг севгинг.

САРВ [*ф.* سرو – конус шаклли, игнабаргли дарахт; қадди расо, хушқомат] **1** *бот.* Жануб мамлакатларида ўсадиган, игнабаргли доим яшил тик дарахт. *Икки четига сарвлар ва шамшодлар экилган салқин хиёбонларда ҳеч кимса кўринмасди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Ой келиб, сарв узра қўнди, Бўлди ойрухсор сарв.* Э. Воҳидов. *Сарв турларидан иҳота ўрмонлар, истироҳат боғлари барпо этишда фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

2 *кўчма поэт.* Қадди-қомати, басти келишган, хушқомат. *Жонга ҳузур, дилга фароғат, Сарвим яхши, сунбулим яхши.* О. Юнус.

САРВАР [*ф.* سرور – бошлиқ, раҳбар; йўлбошчи] **1** Йўлбошчи, раҳбар, раҳнамо. *Чанг бўлдилар кўк баробар Чанг кўтарган лашкарлар. Кайхисравлар ва Доролар, Искандардек сарварлар.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

Сарвари коинот Бутун борлиқни, замину кўкни яратувчи, сарвари олам [худонинг сифат (ном)ларидан бири]. *Чоллар каби «ё ҳаётаннабий»! ёки кўпинча «ё сарвари коинот!» деб, бошини эгарак жим ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сарвар (хотин-қизлар ва эркаклар исми).

САРВАТ [*а.* ثروت – бойлик, катта молдунё; мўл-кўлчилик] *эск. кт.* Бойлик, давлат. *Олмиш юракдан ишқ жойин Шайтони сарват, ҳирси зар.* «Саодат».

САРВАТДОР [*а.* + *ф.* ثروتدار – бойлик, мол-мулк эгаси] Катта бойликка эга бўлган; бадавлат, давлатманд. *Кутилмаган ерда шаҳарнинг энг олдинги аъён ва сарватдорларидан бўлган Салим шарбатдор деганнинг Комилбек исмли ўғлидан совчилар келиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САРВЗОР [*ф.* سروزار] Сарв дарахтлари ўсиб ётган жой, майдон, боғ. *Ҳирот вилоятига салқин нафас ёйиб ўтувчи шамоллар сарвзорларда изғийди.* Ойбек, Навоий.

САРВИНОЗ [*ф.* سروناز] Гўзал ва серишва нозанин. *Мизробшоҳнинг қизи бор. Шундайин сарвинози бор.* «Гулшанбоғ».

САРВИРАВОН [*ф.* سروروان – сарвдек юриш] Қадди-қомати келишган, юриши жозибали гўзал (аёл); нозанин; севикли ёр. *Эй сарвиравон, надур хаёлинг, Жон ўртади ваъдаи висолинг.* Нодира.

САРВИХИРОМОН [*ф.* سروخرامان – сарвдек нозик юришлар] *айн.* **сарвиравон.** *Ҳайронлиғим аҳволини, эй булбулу қумри, Фарёд чекиб, сарвихиромонима айтинг.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САРВҚАД [сарв + қад] Қадди тик, чиройли. *Сарвқад қиз.* ▬ *Йўл четидаги қатор сарвқад тераклар барги ялт-юлт қилади.* «Ёшлик». *Мен-ку шеър мажнунидирман, сарвқад Лайло қалам.* Э. Воҳидов.

САРВҚОМАТ [сарв + қомат] *қ.* **сарв 2.** *Юзи гул, сарвқомат, сочи сунбул, Кўзи наргис каби мастона, бир кел.* Ҳабибий.

САРГАРДОН [*ф.* سرگردان – *л.м.* боши айланувчи: адашиб, дайдиб юрувчи; паришон, ночор, нотавон; дайди] **1** Бекорга овораи сарсон бўлиб юрган, ўз йўлини топа олмаган, парокандаликда юрган. *Саргардон бўлмоқ. Саргардон кезмоқ.* ▬ *Менга у қанча азоб берган, шу деб қанча юртларда яланг оёқ саргардон кезганман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бу жудолик мени қилди саргардон, Сиздан дуо тилар Ҳасандек полвон.* «Ҳасанхон». *Шералихон саргардон бўлиб.. етти йилдан сўнг бир чет бозорга келиб ўтирди.* «Эрали ва Шерали».

Сарсону саргардон қилмоқ Овора қилмоқ, қийнамоқ, тўғри йўлдан адаштирмоқ.

2 *этн.* Қадимги ўзбек урф-одатларига кўра, оғир ётган беморнинг (ирим билан) бошидан айлантириб (ўгириб) бериладиган садақа пули. *[Мастура:] Нега ҳаром бўлар экан? Саргардоннинг пули эмас бу, айланай! Дўппи тикиб тўплаганман, яхши йигит!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

САРГАРДОНЛИК Саргардон бўлиб юриш. *-Ғаму саргардонлик сен билан мени жаҳонгашта қилиб юборди, – деди Меъмор хотинига.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САРГАШТА [*ф.* سرگشته – *л.м.* боши айланган: ҳайрон; уятда қолган; саргардон] Бошидан кўп иш ўтган, овораю саргардон; ночор, нотавон. *Бобомнинг айтишларича, бир замонлар қишлоғимизга саргаштаю жаҳонгашта бир мусофир келиб қолган экан.* С. Кароматов, Олтин қум. *Бир қарасам, тинч, саргаштасан, Бир қарасам, жаҳонгаштасан.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

САРГУЗАШТ [*ф.* سرگذشت – бошдан ўтган, кечирилган] Бошдан ўтган воқеа-ҳодисалар, бошдан кечирилган кечинмалар. *Саргузашт фильмлар. Саргузашт асарлар.* ▬ *Тезроқ саргузаштинг сўйла, чироғим.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Ҳамма уни гапга солиб, кўрган-кечирган саргузаштларини билишга қизиқар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

САРДАК [*ф.* سرديگ – қозондаги овқатнинг юза қисми] **1** Қайнатма овқатнинг юзига чиққан ёғ. *Шўрванинг сардаги.*

2 Айрим қайнатма овқатларнинг алоҳида олиб совитиб қўйилган ёғли шўрваси. *Сардакка бостирилган товуқ.*

3 Қуюқ таом устига солинадиган (қуйиладиган), махсус тайёрланган қайла. *Тайёр таомни дастурхонга тортишда човлида сузиб, лаган ёки ликопчаларга тақсимлайсиз, сардаги ҳар бир хўрандага алоҳида пиёлаларда тортилади.* Газетадан.

САРДАКЛИ Юзасига сардак чиққан; сардак солинган, суртилган. *Она битта чапати ва бир тарелкада озгина сардакли гурунч келтирди.* Ойбек, Нур қидириб.

САРДАРА [*ф.* سردر – пештоқ; бош, асосий дарвоза] *кт.* Энг катта, асосий эшик; дарвоза. *Мадрасанинг сардараси.* ▬ *Мана, яна сардара олдида иккиланиб тураркан, қизнинг сояси кўриниб қолармикан, деган умид билан чироқ порлаган таниш деразадан кўз узмасди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

САРДОБА [*ф.* سرداب / سردابه – совуқ сув] *тар.* Сув танқис бўлган ҳудудларда уни тўплаш ва сақлаш учун деворлари цилиндрсимон, юқори қисми аъло сифатли пишиқ ғишт ва ганчдан гумбаз шаклида махсус қурилган, атрофида сув кирадиган тешиклари бўлган ҳовуз. *Турнақатор тизилган мешкобчилар сардобадан сув олиб, катта йўлга сув сепишарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Карвон сардобани гир айланиб ўраб, ҳамма ўзини муздек сувга урди.* «Шарқ юлдузи».

САРДОР [*ф.* سردار – *л.м.* калласи, боши бор: бош қўмондон, саркарда] **1** *тар.* Эрон ва Афғонистонда: йирик амалдор, қабила бошлиғи; Ўрта Осиёда: қўшин қўмондони; Усмонлилар салтанатида: дала армияси қўмондони. *Темур Малик жанг либосларини кийиб, сардор Шоҳмурод Кўҳистоний билан биргаликда отга миниб, қўшин тўпланаётган томонга жўнади.* «Саодат».

2 Умуман, қўмондон, бошлиқ. *Сенга бермас Гўрўғли ҳеч омона, Хон Гўрўғли Чамбил элнинг сардори.* «Маликаи айёр». *Кемада айғоқчилар сардоридан бошқа икки киши ҳам бор эди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

3 *кўчма* Йўл-йўриқ кўрсатувчи; илғор, зарбдор. *Наманганнинг анори, кимни қилмас хумори, Наманганликлар нори, йигитларнинг сардори.* Т. Тўла.

САРДЎЗ [*ф.* سردوز] *шв.* Боғлаш, маҳкамлаш учун ишлатиладиган ингичка кандир каноп. *Кун қизий бошлагач, Аваз эшикка сардўз боғлаб, Полвонёп бўйидаги ўша салқин оромхонага равона бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қўлида оқ қоғозга бежирим ўралиб, устидан оқ сардўз билан чиройли боғланган [совға].* М. Қўшжонов, Дийдор.

САРЖА [*фр.* serge < *лот.* sericus – шойи, ипакли] Табиий ёки кимёвий толалардан саржа (шойисимон) ўрилишда тўқиладиган газлама. *Саржа астар.*

САРЖИН [*р.* сажень – уч аршинга тенг узунлик ўлчови] **1** Уч газга (аршинга) тенг узунлик ўлчови (2,13 м га тенг). *Икки саржин девор.* ▬ *Йигитали бундоқ қараса, ҳозир кўприкнинг ўша ерида турган экан. Ўн-ўн беш саржинча пастда ҳайқириб сув оқмоқда.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Бўйи уч газ, баландлиги бир ярим газ қилиб маълум тартибда терилган палён ўтин; шу миқдордаги палён ўтин ўлчови. *Ўрмонжон Абдусамадқори билан тил бириктириб, икки юз йигирма беш саржин ўтин сотган ва пулини иккови бўлишиб олган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *с.т.* Арралаб, ёриб тайёрланган ўтин. *Нурилло бир қучоқ саржинни ўчоқ олдига тарақлатиб ташлади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Темир печкада тол саржини чирсиллаб ёнар.. эди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

САРЖИНЧИ **1** Ўтин кесиб ва ёриб саржин қилувчи киши. *Бир куни бир одам боғи-*

даги тўнкаларни ёрдириш учун бозордан иккита саржинчи олиб чиқибди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 *эск.* Ер ўлчовчи.

САРЖИҒА [*ф.+ т.* سرجيغه] *фольк.* Бош кийимига тақиладиган жиға. *Барчин Кўкалдошнинг бошидаги саржиғани кўриб, алпларнинг зўри шу — Кўкалдош эканини билиб, алпларга қараб, олти ойга муҳлат сўраб, бир сўз деб турган экан.* «Алпомиш».

САРИ I (*б.к. ва ж.к. билан*) *кўм.* **1** Маълум томонга, томон қараб. *Инсоф сари барака. Мақол.* ▬ *Ахир, балиқ ҳам сувга интилади, кўкат ёруғлик сари бўй чўзади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *[Аваз] Қараса, беихтиёр Табибийнинг уйи сари йўл солибди.* С. Сиёев, Аваз.

2 (*-ган аффиксли сфдш. билан) айн.* **сайин 1**. *Қуёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари, юринг келади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Бир сари Майли эди, майли-ку. *Бегона бўлса ҳам бир сари эди, гаплашиши осонроқ бўларди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Борган сари** *айн.* **борган сайин** *қ.* **сайин 2**. *Лекин кўчада қатнов, қий-чув борган сари кучаймоқда.* Ойбек, Танланган асарлар. **Инсоф сари барака** Инсоф қанча кўп бўлса, барака шунча кўпаяди, деган маънодаги ибора.

САРИ II *шв.* Энг яхши, сара. *[Гўрўғли] Ғиркўкка қамчи бериб, аждаҳога кўндаланг бўлиб, сари ёй билан отиб, қилич билан чопиб ташлаб, катта Мастонни бир ўлимдан айириб юборган жойи бор эди.* «Хушкелди».

САРИ III *шв.* Сариқ, сариқ рангли. *Йилқи бозори, той бозори, Қурт билан сари мой бозори.* «Равшан».

САРИ IV [*ҳинд. + ф.* سارى] (*а-чўзиқ*) Ҳинд аёлларининг юбка шаклида белга бир неча бор ўралиб, бир учи рўмол қилиб бошга ташлаб қўйиладиган кийими. *У сарини ечиб, уй кийимларини кийди, ювиниб, айвон четига ўтирди.* Ойбек, Нур қидириб.

САРИЁҒ Мол сутидан ажратиб олинган ёғ; маска. *Сигир сутидан широбча, қаймоқ, сариёғ тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Ма, болам, кулча билан сариёғ.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

САРИМАҒИЗ: саримағиз буғдой Буғдойнинг олтинранг, сариқ, маҳаллий нави. *Эгамберди, шу буғдойнинг вазнига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўш!* А. Қодирий, Обид кетмон.

САРИМОЙ *шв. айн.* **сариёғ**. *Ҳар ноннинг устида куйдирилмаган саримой, кўпининг олдида қанд чой [бор эди].* «Далли». *Саримойдай сўлқилдоғон ғоз ўмровли қизларинг.* Ғ. Ғулом.

САРИМСОҚ 1 Пиёзлар туркумига мансуб, икки ёки кўп йиллик ўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган ўткир ҳидли, аччиқ пиёзи; сабзавот экини. *Саримсоқ, райҳон ҳиди димоққа урилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

Саримсоқ пиёз *айн.* **саримсоқ 1.** *Олдига ёйиб қўйган яхна гўшт, шоколад, саримсоқ пиёз, олмаларни битта-битта лунжига тиқарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Саримсоқ (эркаклар исми).

САРИН 1 Тоза ва янги; оромбахш, салқин ва ёқимли. *Сарин баҳор. Сарин шабада.* ▬ *Умида бир меъёрда шовуллаган куз ёмғирининг сарин салқинидан сал ором топгандек бўлди, бўшашиб, креслога чўкди.* А. Мухтор, Чинор. *Октябрь ойида оқшомлар сарин ва мусаффо, кундузлар дўст нафасидек илиқ, оромбахш бўлади.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Мана, кузак келди, еллари сарин, Ёшликдаги каби тиниқ, беғубор.* «Ёшлик».

2 Нафис ва ёқимли. *«Наврўзи ажам» бошқа бир сарин куйга уланди ва машшоқлар водий йигитлари севиб айтадиган «Тонг отгунча» ялласини бошладилар.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

САРИТОЛ *бот.* Толларнинг ёғочи мўрт хили; сариқ тол. *Жаноқ ерда ўсган саритол, сўзларимга қулоғингни яхши сол.* «Тоҳир ва Зуҳра».

САРИШТА [*ф.* سررشته — бирор ишни билиш, хабардорлик; калаванинг учи: бирор масалани ҳал қилиш йўли] *айн.* **саранжом.** *Хотиннинг сариштаси — одамнинг фариштаси.* Мақол. ▬ *Ёруғ, кенггина уй саришта эди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Баланд иморатлар, кенг ва саришта асфальт кўчалар Йигиталининг диққатини ўзига тортарди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

САРИШТАЛАМОҚ Саранжом-саришта қилмоқ, тартибга келтирмоқ. *Уй бекаси бетартиб хонани саришталашга тушди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САРИҚ I **1** Сомон, зарчува, тилла каби нарсалар тусидаги ранг. *Сариқ ипак. Оч сариқ ранг. Тўқ сариқ.* ▬ *Дарахтлардаги са-*

риқ барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишки сариқ кийимини кийган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Малла ранг, малла (соч, тук, тери ҳақида) *Сариқ соч.* ▬ *Рустам унинг узун мўйлови, кўкиш кўзларини қоплаб олгудай қуюқ, сариқ қошларини кўрди-ю, юраги шувиллаб, ўзини орқага ташлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Сариқ ирқ Монголоид ирқининг эскирган номи.

3 *от* Тухумнинг оқсил моддаси ўртасидаги қисми. *Тухумнинг оқини оқлаб е, сариғини — сақлаб.* Мақол. ▬ *Тухум пачақланган эди. Унинг сариғи оққа аралашиб, чаккамдан сизиб, юзимга оқмоқда эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

4 *от с.т.* Жигардаги жиддий салбий ўзгаришлар туфайли тери, кўз оқининг сарғайишидан иборат оғир ва юқумли касаллик номи; гепатит. *Сариқ касаллиги.*

Сариқ карточка *спрт.* Футбол матчида ҳакам томонидан ўйинчига огоҳлантириш ёки енгилроқ жазо белгиси сифатида кўрсатиладиган сариқ рангдаги карточка. *Матерацци ҳакам тарафидан сариқ карточка билан жазоланди.* Газетадан. **Сариқ матбуот** *кўчма* Уятли, шармандали, жанжалли воқеаларни ёритишни мақсад қилиб олган, сийқа, саёз, паст сифатли матбуот ҳақида. *Иккинчи жиддий қусур шуки, кўпчилик қаламкашлар бугун «сариқ матбуот» саҳифаларида эълон қилинаётган ўртамиёна машқларни шеър, ҳикоя, дея улардан андоза олиб, ижод қилмоқдалар.* Газетадан. *Шунинг учун ҳам кўча-кўйда «сариқ матбуот»нинг воқеа изидан қувувчи ҳикояларига одамлар ўрганиб боряпти.* Газетадан. **Сариқ палак** *қ.х.* Вилт касаллиги, вилт. **Сариқ сув** *айн.* **назла. Сариқ сумалак** 1) қамиш билан ёпилган том бўғотларида илк баҳорда ёғингарчиликдан кейин ҳосил бўладиган сарғиш сумалак; 2) шундай сумалак ҳосил бўладиган давр, қишнинг охири. -*Қишдан қитдай бор: ҳутют, сариқ сумалак, аямажиз.. қаторлашиб турибди, — кулумсиради Раъно.* Ойбек, Улуғ йўл. **Сариқ чақа** 1) чақа (пул); жуда оз миқдордаги, арзимас пул. *Мана, хотиним ётиб қолди, ёстиқдан бошини узишга дармони йўқ. Киссамда сариқ чақа йўқки, бечоранинг оғзига ёқар овқат берсам.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) жуда паст, арзимайдиган; эътиборга лойиқ эмас. *Оммани эргаштира олмаган раҳбарнинг қадри — сариқ чақа.* И. Раҳим, Ихлос. **Сариқ чақалик** (*ёки* **чақага арзимайдиган)** Ҳеч нарсага арзимайдиган, бир пулга қиммат, арзимас. -*Сўзни тангадай жаранглатиб сўзлашга устасиз. Аммо ҳозирги сўзингиз пучак, сариқ чақага арзимайди, — деди Мирҳайдар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

САРИҚ II Ўрта Осиёдаги туркий халқлар таркибига кирган қабила номи. *Сариқларнинг Шимолий Хитойда қолган гуруҳлари шу ерда яшовчи уйғурлар билан қўшилиб, улар ичида сариқ-уйғур этник гуруҳини ташкил этган.* «ЎзМЭ».

САРИҚЛИК Сариқ рангда бўлишлик, маллалик. *Рангнинг сариқлиги. Юзнинг сариқлиги.*

САРИҚСОР *зоол.* Қарчиғайлар оиласига мансуб йиртқич қуш; сор.

САРИҚЧА Айрим ҳолларда тилнинг учида пайдо бўладиган сўгалсимон чиқиқ, тирсак. -*Алдасам, тилимга сариқча чиқсин! — қасам ичди бола.* «Ёшлик».

САРИҚҚАМИШ *бот.* Бошоқли ўсимликларга мансуб, попуксимон тўпгулли кўп йиллик ўсимлик.

САРКАЗМ [*юн.* sarkasmos < sarkaro — гўштни нимталайман, узиб, юлиб оламан] Сатирик тасвирда фош этувчи муросасиз кулги, истеҳзоли таъна асосига қурилган фикр-мулоҳаза; бадиий услуб воситаларидан бири. *Адабиётшуносликда сарказм антик даврдан маълум.* «ЎзМЭ».

САРКАРДА [*ф.* سرکرده — бошчилик қилувчи; бошлиқ, раҳбар; доҳий; қўмондон] **1** *тар.* Қўмондон, лашкарбоши. *Саркарда Темур Малик ҳам терга ботиб, анча эсанкиради. Агар у бир лаҳза ташаббусни қўлдан берса, отдан қулаши ҳеч гап эмас эди.* «Саодат».

2 *кўчма* Бошлиқ, йўлбошчи. *Бир саркарда, йигитларнинг оғаси — Ўз элида обрўйи бор Авазнинг.* «Гулихиромон»

САРКАШ [*ф.* سرکش — бош тортувчи; бўйсунмайдиган; мағрур] Бировга итоат этмайдиган, бўйин бермайдиган; итоатсиз, ўжар, қайсар. *Саркаш от. Саркаш одам.* ▬ *Ота-она саркаш қизларининг жавобидан тахтадек қотишди.* «Ёшлик».

САРКОМА [*юн.* sarx, sarkos — гўшт, эт + omos — хом, пишмаган: шиш, ўсма борлигини билдирувчи қўшимча] *тиб.* Асосан, би-

риктирувчи тўқималардан (суяк, пай-мушак ва б.) пайдо бўладиган хавфли ўсма.

САРКОР [*ф.* سرکار – ишбоши; бошқарувчи; назоратчи] **1** *тар.* Маълум иш ёки соҳани бошқарган лавозимли киши; йўлбошчи. *Солиқ йиғиш ишларини бошқариш бек томонидан тайинланадиган саркор қўлида бўлган.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан очерклар. *Бир кўрайин Гўрўғли саркорини, Кўрайин ёнида қирқ навкарини.* «Равшан».

2 Хива хонлигида: мудофаа истеҳкомлари ва қалъаларида ўтсочар қурол-тўпни олиб чиқиш ишларига бошчилик қилган одам.

3 Умуман, раҳбар, ишбоши, бошлиқ. *Ухлаёлмас тунда бироқ Бош инженер Теша саркор.* Миртемир. *Саркор олим ўз атрофига қобилиятли ёшларни жалб қилиб, машҳур илмий мактаб яратди.* Газетадан.

САРКОТИБ [*ф.* + *а.* سرکاتب – бош, асосий котиб, мирза] *эск.* **1** Котиблар бошлиғи; бош котиб. *Раис кнопкани босди, шу он кабинетга масъул саркотиб Али Муллаёров кириб келди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Умуман, котиб. *Иккита.. столнинг бирида колхоз саркотиби Умарали, иккинчисида ҳисобчи Абдулқосимлар шуғулланмоқдалар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

САРКОФАГ [*юн.* sarx, sarkos – гўшт, эт + phagos – еювчи, еб қўювчи; очкўз] **1** *тар.* Асосан, тош, мармар, ёғочдан тўғри тўртбурчак шаклида, қайиқсимон қопқоқли қилиб ясалган, бадиий безак ва тасвирлари, ёзувлари бўлган тобут; тоштобут.

2 *кўчма махс.* Атроф-муҳитни ядро реакторлари, қурилмалари чиқиндиларидан ҳимоя қилиш, унга радиоактив нурлар тушишининг олдини олиш мақсадида чиқиндиларни ёки ишдан чиққан реакторларни кўмиш учун қурилган қоплама иншоот.

САРЛАВҲА [*ф.* + *а.* سرلوحه – китобда лавҳа безак; титул варағи; эпиграф] Китоб, асар, мақола ва ш. к. нинг ёки уларнинг айрим қисмларининг номини ифодаловчи сўз ёки жумла. *Сарлавҳа қўймоқ.* ▬ *Аҳмедов саҳифадаги материалларни кўздан кечиргач, умумий сарлавҳани товуш чиқариб ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аҳмад очеркнинг сарлавҳасига ва авторига қаради.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *эск. айн.* **пешлавҳа**. *Қишлоққа кирар йўлда Мана катта дарвоза. Дарвозага ёзилган «Колхоз» деган сарлавҳа.* З. Диёр.

САРМАСТ [*ф.* سرمست – боши айланган, сархуш; кайфи ошган, маст; мағрур, кеккайган] **1** Андак кайфи бўлган, озгина ичган; ширакайф. *Сармаст одам.* ▬ *Андак-андак меъёрида бошланган шароб ҳаммани сармаст этиб, гангир-гунгурни авжига миндира бошлади.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Маликул шароб маст-аласт майхўрларни сира хушламас эди, бироқ бу ёш сайёҳнинг сармаст қилиқлари самимий ва ёқимтой эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 *поэт.* Мамнун, сархуш; масрур. *Ёмғирли кун эди, атроф жим, сокит, Маъюс кўзларингга боқардим сармаст.* А. Орипов, Руҳим. *Ажаб, ортиқ сармастман бугун, Кўкрагимга сиққудай олам.* Э. Воҳидов,

САРМОЯ [*ф.* سرمایه – капитал, пул; бойлик; асос, манба, сабаб] **1** Асосий савдо маблағи. *Ўйлаб қаранг-а, давлатимиз ҳар йили мамлакатни кўкаламзорлаштириш учун миллион сўмлаб сармоя ажратади.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

2 Умуман, маблағ, пул. *Найманчада ибтидоий таълим мактаби очиш учун фуқаро ўз ташаббуси билан сармоя жамғармоқда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўп қатори Абдураҳмон ҳам хатга тушган эди. Нўхат шўрва сотиб кун кўраётган отасининг сармояси ўғлини олиб қололмади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

САРМОЯДОР [*ф.* سرمایه‌دار – сармоя эгаси] Катта сармоя эгаси. *Жанубий кореялик сармоядорлар юртбошимизнинг соҳани чуқур билишларига тан бердилар.* Газетадан.

САРМУНШИЙ [*ф.*+ *а.* سرمنشی – муншийлар бошлиғи; девонхона бошлиғи] *тар.* Амир, хон саройида бош муншийи, бош котиб. *Сармуншийи хонасида Анвардан бошқа яна икки номанавис бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

САРНАЙЗА [*ф.* سرنیزه – найза учи] *тар.* Милтиқ найзаси. *Унда-бунда отилган милтиқлар товуши орасидан бир-бирига тегиб шақирлаган қилич ва сарнайзалар садоси.. эшитилмоқда.* С. Айний, Қуллар.

САРНИГУН [*ф.* سرنگون – боши эгик; ағдарилган, тўнтарилган] Ағдарилган, тўнтарилган, оёғи осмондан бўлган.

Сарнигун бўлмоқ 1) ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ; 2) *кўчма* шарманда бўлмоқ, боши эгилмоқ, ерга қараб қолмоқ. *Шунча давлат топиб, обрў топиб, эл ичида сарнигун*

бўлишга кимнинг тоби бор. Ҳамза. **Сарнигун қилмоқ** 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; 2) *кўчма* шарманда қилмоқ, юзини ерга қаратиб қўймоқ. -*Сен аҳмоқнинг бу ишинг ҳазрат олдида менинг юзимни сарнигун қилди, — деди Норбўта.* Ғ. Расул, Адолат.

САРНОМА [*ф.* سرنامه – хатнинг, мактубнинг боши; кириш, муқаддима] *кт.* **1** Номанинг, мактубнинг бошида ишлатиладиган, мунтазам қолип ҳолига келиб қолган ибора, ифода (мас., *дуойи салом, алангали салом* ва ш.к.).

2 *айн.* **эпиграф.**

3 *кўчма айн.* **шиор**. *Сарнома қилиб олмоқ.*

САРОБ [*ф.* سراب – хаёлий манзара, сароб; қуруқ ваъдалар] **1** Атмосферанинг оптик ҳодиса – нотекис ҳароратга эга бўлган ҳаво шароитида нурларнинг ўзига хос синиши натижасида уфқ ортидаги (узоқдаги) нарсаларнинг хаёлий, сохта тасвирларининг пайдо бўлиши. *Даштни тўлдириб турган қуёш сели остида «оқаётган» Аму сароби мавжланади.* С. Нуров, Сув қўшиғи. *Узоқларда сароб жимирлайди. Кўл бетида қовжираган янтоғу исириқ сузиб юргандай..* С. Нуров, Нарвон.

2 *кўчма* Алдамчи тасаввур, хаёлот, хомхаёл. *[Навоий:] Мен ҳақиқат деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиқди. Мен салтанатимизни мустаҳкамламоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим елга кетди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Қани ўша бахт? Бахт деб излагани сароб экан.* «Ёшлик».

САРОЙ I Ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалар уюшмаси. *Саройларнинг таркибида бир қанча кичик ва катта қабилалар бўлган.* «ЎзМЭ».

САРОЙ II [*ф.* سرای – уй, бошпана; қаср; карвонсарой; ёпиқ бозор] **1** *тар.* Хон, амир, подшоҳларнинг доимий қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли катта бино; кошона. *Подшо уни ҳашаматли саройга чақиртирибди.* «Олтин бешик». *Бухоро амирининг саройидан бор-йўғи ўн-ўн икки чақиримлар чамаси узоқликдаги ғарби-жанубдан ўтадиган темир йўл станцияси – Когонда.. кўрсатилмоқда эди бу томоша.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Саройдаги давлат бошқаруви; ҳокимият, салтанат. *Низомиддин нега салтанатга душман бўларкан? У ҳали бўз йигит, сарой олдида катта обрўга эга бўлган меъморнинг фарзанди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У Худойберган оғанинг хон саройига яқинлигини билади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *кўчма* Саройга алоқадор, саройда яшовчи, хизмат қилувчи. *Сарой шоири. Сарой аъёнлари.* ▬ *Рўза тутиш шоҳу малайга баробар келган мажбурият бўлгани учун, сурнай ва нақора сарой аҳлини саҳарликка уйғотмоқда.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ўтар бобонинг отаси Гадойниёз бобо ҳам хон табиби эди, сарой одамларидан ҳисобланарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Умуман, истиқомат қилиш ёки бирор ижтимоий фаолият учун мўлжаллаб, замонавий меъморлик услубларида қурилган ҳашаматли катта бино ва мажмуалар. *Спорт саройи. Маданият саройи.* ▬ *Гоҳ суюниб, хаёлида олтин саройлар қуради, гоҳ куюниб, ўзини тубсиз чоҳ ёқасида кўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳақиқий санъат саройи сингари қад кўтарган кўркам клуб биносининг олди шинам боғ.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

5 Карвонлар, савдогарлар қўнадиган, меҳмонхонали, ҳовли ва отхонали жой; карвонсарой, работ. *Меҳмонмисиз, тарафмисиз, айтинглар, Савдогар бўлсангиз, саройда ётинглар* «Гулнорпари». *[Отабек:] Молимизни ортган туякашлар шу саройга тайинланган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Омборхона, омбор. *Ғалла саройи.* ▬ *Бизнинг Қаландар бой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 *с.т.* Бостирма ёки тўрт девор билан ўралган кенг бино. *Молларни саройга қамамоқ.*

САРОЙБОН I [*ф.* سرایبان – саройни қўриқловчи; қоровул] Хон саройи қўриқчиси. *Шу Ёвмит элининг бир саройбони бор эди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

САРОЙБОН II Карвонлар ва савдогарлар қўнадиган сарой эгаси, қўриқчиси. *Саройбон қотма юзли.. йигитни иккинчи қаватдаги тор бир ҳужрага жойлаштирар экан, унинг қаерданлигини, исмини, касбини сўради.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

САРОМАД [*ф.* سرامد – ортиқ даражадаги, устун; машҳур, пешқадам] *кт.* Бирор соҳанинг кўзга кўринган, машҳур арбоби; пешво, пешқадам. *У [Султонмурод] барча мавжуд илмларни эгаллаб, замона олимлари-*

нинг пешвоси, саромади бўлишга тиришади. Ойбек, Навоий. *Хуросон олимларининг саромади — мавлоно Шаҳобиддин.* Ойбек, Навоий.

САРОНА [*ф.* سرانه — пай, улуш, ҳисса; жон бошига (солиқ)] *тар.* Жон бошига қараб солинган солиқ. *-Мирзо йигит, — деди оқсоқол, — яқинда биз саронадан қутулган эдик.* Ойбек, Навоий.

САРОПАРДА [*ф.* سراپرده — подшоҳ чодири, қароргоҳи; ҳарам] *тар.* Хонлар, подшоҳларнинг бир қанча катта-кичик чодирлардан иборат муваққат қароргоҳи. *Саропарда ичидаги иккинчи муҳташам чодир «Саодат уйи» деб аталар эди.* П. Қодиров, Авлодлар довони.

САРОСАР [*ф.* سراسر — буткул, барча; бошдан-оёқ] *рвш. кт.* Бошдан-оёқ, бутунлай, батамом; давомида. *Гўёки беморнинг дарди енгиллашгандек, Авазнинг кўнглида неча кунлар саросар кезиб юрган қора булутлар, офтоб нурларига дош беролмай, тарқаб кетгандек эди.* С. Сиёев, Аваз. *Сўнгги дам чорасиз Муқанна сифат, Дил сўзим ўзингга айтай саросар.* А. Орипов, Йиллар армони.

САРОСИМА [*ф.* سراسیمه — эсанкираш, довдираш; ғашлик, ғулғула; қўрқинч ҳолатида бўлган] Нима қиларини билмай, ўзини йўқотиш, парокандалик, гарангсиш, қўрқиш ҳолати. *Саросимада қолмоқ. Саросимага тушмоқ. Саросимага солмоқ.* ▬ *Содда қишлоқ боласи дилига тугилган гапларни айтолмай, кўп вақт ич-этини еб, саросимада юрди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Машраб ойисининг чеҳрасида акс этиб турган саросимага кўзи тушди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

САРОСИМАЛАНМОҚ *кам қўлл.* Ўзини йўқотмоқ; гаранг бўлмоқ; саросимага тушмоқ. *Табибулла, ҳозир чинданам Ваҳобов айтган денгиз тубига тушиб кетаётгандек саросималаниб, моторни ўчирди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

САРОСИМАЛИК Саросима ҳолати, саросима. *Саросималикка тушмоқ. Саросималикда қолмоқ.* ▬ *Ёрмат ҳеч қандай қисилиш, саросималик сезмади, бўйнини чўзиб, у ёқ-бу ёққа аланглади-да, одамлар орасини ёриб кирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Суворийлар дам-бадам орқасига қайрилиб, от қамчилар, улар орқасидан узоқ уфқда сарғиш тутундай тўзон тобора қуюқлашиб, суворийларни саросималикка соларди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

САРПАРДА I [*ф.* سرپرده — бош, асосий парда] *тар.* Капа, соябонли арава ва ш. к. нинг катта пардаси; ёпинчиқ.

САРПАРДА II [*ф.* سرپرده] *мус.* **1** Мусиқа асари бошланадиган асосий парда. *[Умар полвон] Туябўзлов, жигарпора, сайқал, сарпардани бирин-кетин астойдил чалди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Нотада сатр бошига қўйиладиган ва ўзидан кейинги ноталарнинг номини ва баландлигини кўрсатадиган белги; калит. *Скрипка сарпардаси.*

3 Ўзбек сурнай йўлларидан бири.

САРПИНКА [*р.* сарпинка — Сарпа дарёси ва Сарепта қишлоғи номидан] Гуллари йўл-йўл ёки катак-катак ип газлама.

САРПО [*ф.* سروپا — бош ва оёқ: бош-оёқ кийим] **1** *этн.* Маълум бир шахсга ёки кўпчиликка атаб кўпинча тўй маросимларида ёки турли тантаналарда совға учун тайёрланадиган янги бош-оёқ либос. *Мартабали меҳмонга сарпо кийдирмоқ. Келинга сарпо юбормоқ. Бешик сарпоси.* ▬ *Қизнинг қўша-қўша кийимлари бўла туриб, онаси «Қизимга ўн сидра бош-оёқ сарпо қиласизлар», деб туриб олди.* Газетадан. *Низомжон гапира олмай, дир-дир титраб турган эди, худди шу пайт куёвлик сарполарини кийиб олган Аъзамжон кириб келди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Умуман, кийим-бош. *Сарпо тикмоқ.*

САРПОЁҚ *кам қўлл. салб.* Саёқ, бекор, бемақсад сандирақлаб юрадиган; ялангоёқ. *-Мен ким-у, айт-чи, сен ким бўлибсан? Сенинг сарпоёқ ўғлингга гулдек қизимни бериб, охиратимни куйдирайми?* К. Яшин, Ҳамза. *Мен фалонман, онам пистончи деб валдирагунча, бу ерда қорангни кўрсатмай гум бўлмайсанми, сарпоёқ!* С. Сиёев, Ёруғлик.

САРПОЙЧАН Яланг оёқ; оёққа пайпоқ киймай ёки пайтава ўрамай пойабзални ўзини кийган ҳолда. *Қизил паранжисини чимматсиз бошига ташлаб, эски кавушини сарпойчан судраб олган Холнисо эшикдан кириб келди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Куз кириб, ҳаво анча салқинлаганига қарамай, Тешабой ташқарида яктакчан, сарпойчан юрган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САРПО-СУРУҚ Турли хил сарполар. *Онамнинг қариндошлари сарпо-суруқ, иззат-икром билан кузатиб қолдилар.* Х. Султонов,

Онамнинг юрти. *Ота-бувадан қолган удумни бузиб бўлармишми? Сарпо-суруқ олиб, битта патнусда миёнча тугиб бораман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

САРПЎШ [*ф.* سرپوش – қозон ва ш.к. нинг устини ёпувчи нарса, қопқоқ] *кам қўлл. айн.* **қопқоқ.** *-Хотин чиқиб кетгандан кейин, тандирнинг сарпўшини олиб, бир оз эркинроқ нафас олдим, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Хурмача билқиллайди, Сарпўшини олиб қўй.* «Қўшиқлар».

САРРОВ [*ф.* سرراو] *бнк.* Иморатнинг тўсини ёки стропилалари тагига қўйиладиган узун ёғоч тўсин. *Том ёпиш учун сарров солмоқ. Сарров қўймоқ.* ▬ *Мирзатерак баланд ва тўғри ўсади, ундан тўсин, сарров ва синчустунлар сифатида яхши фойдаланилади.* Газетадан. *-Анави уяда, – Абдумажид осма лампани олиб, сарровга солинган қалдирғоч уясини ёритди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

САРРОЖ [*а.* سرّاج – эгарсоз, эгар-жабдуқ ясовчи] От-арава абзали тайёрловчи уста. *Сайисга айт: саррождан дарҳол харид қилсин қайирлма эгар.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *-Ҳа, Абдунаби саррож ҳам бандаликни бажо келтирди, – деди чол Мирҳайдарга.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

САРРОЖЛИК 1 Саррож касби, ҳунари. *..тор ҳужрасига кириб, саррожлик ҳунарини қилар, қайишлар бичиб тикар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Эгар-жабдуқ растаси. *-Кўкалдош мадрасасининг битта мезанаси қийшайиб қолди, саррожликни Мочаловнинг миршаблари талади, – деди Шум бола Ҳожи бобога.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

САРРОФ [*а.* صرّاف – пул алмаштирувчи; кассир; солиқ йиғувчи] Пул айирбошловчи; йирик пулни майдалаб бериш ёки чет эл пулини бирор мамлакат пулига алмаштириб бериш иши билан шуғулланувчи ва шундан фойда кўрувчи шахс. *Тимга кираверишдаги тоқнинг икки томонида шойи чопон кийган, симоби салла ўраган саррофлар олдиларидаги баркашга тангаларни уйиб ўтирар эдилар.* М. Осим, Элчилар. XI *асрда яшаб ўтган Носир Хусравнинг маълумотларига қараганда, биргина Исфаҳонда 200 тача серроф бўлган.* «Фан ва турмуш».

САРРОФЛИК Йирик пулни майдалаб бериш ёки чет эл пулини бошқа мамлакат пулига айирбошлаш билан шуғулланиш, сарроф касби.

2 *тар.* Бозорда саррофлар дўкони жойлашган раста, саррофлар қатори. *Саррофликда пул майдаламоқ.*

САРСАБИЛ [*ф.* سلسبيل – жаннатдаги булоқ номи; соф, жаннатий сув] *бот.* Униб чиқмаган (ер остидаги) ёш пояси ва новдалари сабзавот сифатида овқатга ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик; сабзавот ва манзарали экин. *Сарсабилдан аспаргин олинади.* «ЎзМЭ».

САРСАРИ [*ф.* سرسری – бепарво, эътиборсиз; енгилтак] **1** *поэт.* Тинимсиз; жонсарак. *Сарсари кезмоқ.* ▬ *Мана, қимматлигим, яна баҳор келиб, Сени излаб юрди, кезди сарсари.* Зулфия.

2 Бекорчи; санқи, дайди. *Ажал, бошимизда кезма сарсари, Йўлимизни кесма, эй ёвуз шамол!* Р. Парфи, Кўзлар. *Ўтирсанг – замину юрсанг – соянгман, Изингда сарсари тўзонман, чангман.* Р. Бекниёз, Тўтиё.

САРСОН [*ф.* سرسان < سرسام – бошдаги шиш; бош айланиши; менингит] Ўз йўлини топа олмаган, овора, саргардон, адашган. *Сарсон ўтган неча насллар Тополмасдан туғилган жойин.* А. Орипов. *Мен йўлларда сарсонман, хуморимни излайман.* «Ойсулув». *Салимани бекорга сарсон қилгани учун йўлйўлакай Замира аччиқ-аччиқ гап эшитиб олди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

САРСОНГАРЧИЛИК Беҳуда қатнаш, елиб-югуриш; овора бўлиш; дарбадар кезиш. *[Рихсиев:] Қанчадан-қанча оворагарчилик, сарсонгарчилик! [Зиёдулла:] Сарсонгарчилиги борми, шу баҳона Тарлон икковимиз шаҳарни сайил қилиб келяпмиз.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

САРСОНЛИК *айн.* **сарсонгарчилик.** *Зулминг билан, золим фалак, Сарсонликда бўлгум ҳалак.* «Тоҳир ва Зуҳра».

САРСОН-САРГАРДОН Ниҳоят даражада сарсон, овораи сарсон. *Қонуний талабимизни вақтида бажармай, сарсон-саргардон қилган одамларни жазолаш ўрнига, уларнинг бошини силаб.. ўз обрўйимизни ерга уришимиз керакми?* Шукрулло, Сайланма.

САРСОН-САРГАРДОНЛИК Сарсонликдаги ҳаёт, аҳвол. *Уруш туфайли ота-оналаридан бевақт жудо бўлган, сарсон-саргардонлик бошларига тушган гўдакларнинг аччиқ қисмати Маҳкам акалар оиласи*

билан Муборакхонни бир-бирларига боғлаб қўйган эди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

САРСЎЗАН [*ф.* سرسوزن – катта игна] *махс.* Аёлларнинг бош кийимига тақиладиган (қадаладиган) тўғноғич; заргарлик буюми. *..яланг оёғидан заҳри қаттол зирапчани игна ёки сарсўзан билан авайлабгина.. олган аёл эди.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

САРТ [*ф.* سارت < *санск.* sarthavaha – карвонбоши, савдогар] *тар.* Қадимда Ўрта Осиёдаги шаҳар ва қишлоқларда яшаб, деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган туркий халқлар (жумладан ўзбеклар).

2 Чор Россияси ҳукмронлиги даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги маҳаллий халққа европаликлар томонидан берилган ном. *Наҳотки, сарт одам бўлмаса? Гуноҳим нима экан ахир! – деб ўйлади Ботирали.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бир неча қадам нарида, кўчанинг ўртасида, бир ўрис миршаб, икки сарт миршаб, қиличини яланғочлаб, Ёрматни олиб келишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

САРТАРОШ [*ф.* سرتراش – бошни қирувчи, қиртишловчи] Соч-соқол олувчи уста. *-Худога шукур, мана, Муллажон сартарош бўлиб, камлик кўраётгани йўқ, – деди кампир Шодига.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Йигит ойнага боқиб, мўйловини чимириб, сартарошга раҳмат айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

САРТАРОШЛИК 1 Одамларнинг соч-соқолини олиш билан шуғулланиш, сартарош касби. *Ўтар бобо.. табиблик ва сартарошлик туфайли орттирган беш-ўн тангасини ҳовлини кенгайтириб, уй солишга сарфлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *айн.* **сартарошхона.**

САРТАРОШХОНА [сартарош + хона] Сартарош дўкони, сартарошлик. *Бир неча кундирки, сартарошхона очиқ. Аваз азонлаб туриб, дўконига шошилади.* С. Сиёев, Аваз.

САРТАХТА [*ф.* سرتخته – катта, асосий тахта] *этн.* Ўлик ювиладиган тўрт оёқли пастак (хонтахтага ўхшаш) стол.

САРТИЯ [*ф.* سارتيّه < *санск.*] Сартлар (*қ.* **сарт 2**). *-Ҳазрати подшоҳимизнинг ўз фуқаролари мусулмонлар.. бизнинг Туркистон сартиялари ҳам фармонбардор бўлиб, хусусан ана шу қаттол жанг кунларида ёрдам бермоқлари фарздир, – деди қаландарлардан бири халойиққа.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

САРТОПО [*ф.* سرتاپا – бошдан оёққача] Бутунлай, батамом, бошдан-оёқ; бошидан охиригача. *У кунлар ўчди менинг Кўзларимдан сартопо.* Миртемир. *Айниқса, Хатиб домла бу кун сартопо бахтсизликка учраб, сувга тушган мушукдек тараниб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *[Қози:] Сен бир камбағалсан. Ўз жонингга жабр қилма, сартопо фалокатларга дучор бўлма, деймиз.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Умрида қўшиқ айтмаган одам, қизаринқираб, ён-атрофга олазарак сартопо назар ташлаб олди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

САРУПО [*ф.* سروپا – бош-оёқ (кийим)] *юқ. усл. айн.* **сарпо**. *-Жанобларини янги сарупо ва улуғ мартаба билан табриклаймиз, – деди Ҳусайн.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

САРФ I [*а.* صرف – пулни майдалаш; ишдан озод қилиш, харж, харажат; чиқим] **1** Бирор мақсад учун харж бўлган пул, маблағ; чиқим, харажат. *Пахтадан олинган қўшимча ҳосил барча қилган сарфларимиздан анча ортиқ бўлди.* Газетадан. *-Қаранг, бировларнинг болаларини пул сарф қилиб, вақт сарф қилиб, текинга ўқитса-я! – деди Матқовул.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Умуман, бирор мақсад учун ишлатилган, кетган ёки кетадиган нарса миқдори. *Материал сарфини тежаб-тергаб турмоқ.* ▬ *Электр энергияси сарфини ҳар куни назорат қилиш одатга айланиб қолади.* Газетадан.

САРФ II [*а.* صرف – турланиш, тусланиш] *эск. айн.* **морфология.** *Ўзбек тили сарфи.*

САРФАРОЗ [*ф.* سرفراز] *эск. айн.* **сарафроз.** *Барча неъмат бир томону шеър, соз, Шеър бирлан бизни айланг сарфароз.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

САРФИЙ [*а.* صرفى – морфологик, грамматик] *эск. айн.* **морфологик.**

САРФИЯТ [*а.* صرفيّت – харажатлар, сарф қилинган нарсалар] *кам қўлл. кт.* Сарф қилиниш; сарф-харажат. *Ўсимлик орқали ва каналлар орқали сув сарфияти даражаси, айниқса, Ўрта Осиё иқлими шароитида юқори бўлади.* «Фан ва турмуш».

САРФЛАМОҚ 1 Харажат, чиқим қилмоқ, сарф қилмоқ. *Пул сарфламоқ.* ▬ *Пулни беҳуда сарфламанг, мулла, уч-тўртта гилам, бир-иккита сигир олиб қўйинг.* П.

Турсун, Ўқитувчи. *Тожи ёш хотинини яхши кўриб, унинг тўйи учун бор-йўғини сарфлаб юборган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ишлатмоқ, фойдаланмоқ, кетказмоқ, сарф қилмоқ. *Материални тежаб сарфламоқ. Меҳнат сарфламоқ.* ▬ *Музей залларини безатишда илмий-таъмирчилик устахонаси меъморлари катта куч-ғайрат сарфладилар.* Газетадан. *Эгаллаган илмимни жамият йўлида сарфлайман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

САРФ-ХАРАЖАТ Кетказилган сарф ва харажат(лар). *Аммо уни [олтинни] очишга кетадиган сарфу харажат олтиннинг ўзидан ҳам қимматга тушади.* С. Кароматов, Олтин қум.

САРХАЛ Таом пиширишда ёғни доғ қилиб, унда гўшт ва бошқа масаллиқлар қовуриб бўлинган дастлабки жараён. *Кампир бечора бир нафасда овқатини сархалда қолдириб, бетини юлиб, саннагани тушиб кетди.* «Шарқ юлдузи».

САРХАТ [*ф.* + *а.* سرخط – битим, келишув; тилхат; ҳуснихат] *кт.* Чиройли ёзув, ҳуснихат. *Сархат машқ қилмоқ.* ▬ *Бахтим борки, ҳар нарса гўзал Кўринади менинг кўзимга. Водийларга қуёш тўккан ҳал, Шунинг учун сархат сўзимга.* Ҳ. Олимжон.

САРХИЛ Энг яхшиларидан терилган, сара. *Сархил мевалар. Узумнинг сархили.* ▬ *Гадойбой сархил олма, нок, узумларни вагонларга жойлаб, Россиянинг узоқ-узоқ шаҳарларига жўната бошлади.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Боғда эса сархил мевалар пишиб, бол томиб ётганмиш.* Ҳ. Каримов, Санъат сеҳри.

САРХИЛЛАМОҚ Энг яхшисини, сархилини ажратиб олмоқ, сараламоқ. *Олмаларни сархилламоқ. Узумни сархиллаб, саватларга жойламоқ.*

САРХОВ *с.т. айн.* **сархок**. *Бу тўзон, сархови нураган деворлар оша ҳовлиларга ўтиб, дарахт ва ерларни қоплади.* А. Мухтор, Опасингиллар.

САРХОК [*ф.* سرخاک – тупроқ боши: қабр] Деворларни ёғин-сочиндан сақлаш учун девор устига қўйиладиган серсомон лўмбоз. *Сўз маъқулдан ошмас, девор сархокдан.* Мақол. ▬ *Узоқдаги тераклар, сархоки емирилган девордай қорайиб кўринади.* Газетадан.

САРХОНА [*ф.* سرخانه – асосий хонача: чилимнинг ўтхонаси] Чилимнинг юқори қисмида жойлашган, тамаки солиб тутатиладиган сопол ёки ёғоч мослама, чилим ўтхонаси. *Сархонага тамаки солмоқ.* ▬ *Асрорқул чилимни шундай қаттиқ тортдики, сархонада аланга кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

САРХУШ [*ф.* سرخوش – ширакайф, кайф қилган; кайфи чоғ, хурсанд; безовта, жўшқин] **1** Кайфи бор, ширакайф; кайфли. *-Оёқларим ҳам қалтирай бошлади, кўчада сархуш одамлардай борардим, – деди Камолиддин.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Бир кеч зиёфатдан сархушроқ бўлиб қайтдим.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Отабек сархуш товуш билан жиддийгина қилиб [машшоққа] жавоб берди: -Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Бирор нарсадан кучли таъсирланиб завқланган, кайф қилган; ўта бахтиёр; масрур. *Мен сизни севаман ялпизлар атри, Қушчаларнинг сархуш сайроғи билан.* Х. Даврон, Тунги боғлар. *Бўса мени айлади сархуш, Ўйнаб туриб сочингнинг учин, Енгил тортдим гўёки бир қуш.* Уйғун.

САРХУШЛАНМОҚ 1 Кайф қилмоқ, ширакайф бўлмоқ. *Меҳмонлар оз-оздан ичиб, сархушланиб олдилар.*

2 *кўчма* Ўзини ўта бахтиёр сезмоқ, хурсанд бўлмоқ, масрурланмоқ. *Навбатдагилар қанчалик мақтал бўлса, ўзининг устунлигидан шунчалик сархушланади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *[Отабек] Кўз ўнгида бировнинг сурати ўтиб, сархушланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САРХУШЛИК Кайфли, ширакайф ҳолат; хурсандлик, масрурлик. *Карим ўпкасини тўлдириб нафас оларкан, вужудида сўз билан таърифлаб бўлмас бир сархушлик туйди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

САРЧАШМА [*ф.* سرچشمه – булоқ, булоқ боши; манба] **1** Бош булоқ. *Қиз бечора қирқ қулоч сочини яғринига ташлаб, сарчашмага бориб, сув ичиб, юзини ювиб ўтирди.* «Нурали».

2 *кўчма* Бош манба. *Китоб – маънавият сарчашмаси.* ▬ *Дилбарим, Эркин дилин сен Бир тиниқ сарчашма бил, Акс этар ишқ офтоби Қалбининг кўзгусида.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

САРҚИТ 1 Бировдан қолган таом, қолдиқ овқат. *Ўзи тўймаганнинг сарқити қорин*

оғритади. Мақол. ▬ *Фарзандим бор эди, деб бир марта йўқламади. Биттаю битта боласи одамларнинг сарқити билан яшаётганлигига номус қилмади.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Зокир қўлидаги қадаҳни тақ эткизиб столга қўйди. Қадаҳ тарелкага урилиб, чилчил синди, шиша синиқлари овқат сарқитларига аралашиб кетди, дастурхон ҳўл бўлди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *кўчма* Ўтмишдан мерос бўлиб келаётган, баъзан замона руҳига тўғри келмайдиган одат, расм-русум, тартиб ва ш. к. *Эскилик сарқитлари.* ▬ *Шаҳар фуқароси ҳаётидаги эскилик сарқитларини тугатиш, дилсиёҳлик, асаббузарликни олиб ташлаш — бу осон иш эмас.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ҳаётнинг қанчалар издан чиқиб кетишига сабаб бўладиган сарқит одат — гиёҳвандликка лаънатлар ўқийлик!* Газетадан.

САРҒАЙМА *с.т. айн.* **сариқ 4.** *Айниқса, «Ҳожиматов дамламаси» деган дармондори, неча йилдирки, сарғайма билан оғриган беморлар дардига даво бўляпти.* Газетадан.

САРҒАЙМОҚ 1 Сариқ тус олмоқ. *Куз тушди, барглар сарғайди. Ўрик олтиндай сарғайиб пишибди.* ▬ *Иссиқ жон дейдилар, жон бўлса бўлар, Пайт келса, чечак ҳам сарғаяр, сўлар.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *кўчма* Зориқиб, толиқиб кутмоқ, маҳтал, интиқ бўлмоқ. *Идорама-идора бир имзо учун сарғайиб, ҳафталаб умрим зое кетган вақтлар бўлди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Айрилдинг тўрангдан, сочингни ёйиб Йиғлай бер, бувишим, энди сарғайиб.* «Алпомиш».

3 *кўчма* Қаттиқ ялинмоқ, илтижо қилмоқ; изтироб чекмоқ. *Момо, сизга сўз сўзладик мунғайиб, Арз айтамиз энди сизга сарғайиб.* «Рустам».

САРҒАЙТИРМОҚ 1 Сарғаймоқ 1 фл. орт. н. *-Жийдани сарғайтириб, анорни қизартирган, пахтани етиштириб, қовунни тўрлатган далалар хумор қилади, — деди Элмурод.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *-Сен билан гаплашаман, деб қўйлагимнинг этагини [дазмолда] сарғайтириб қўйдим, — деди Қодир Сатторга.* «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма* Кўп куттириб маҳтал, интизор қилмоқ. *Унга йўқ, дейсан, бунга йўқ, дейсан, кимни хоҳлайсан ўзи? Мана, синглингнинг ҳам бўйи етиб қолди, қачонгача бизни сарғайтирасан?* «Ёшлик».

3 *кўчма* Қаттиқ изтиробга, жуда оғир аҳволга солмоқ. *Ғаним босмас, дедим, ўлмай изимни, Фарзанд доғи сарғайтирди юзимни.* «Гулшанбоғ».

САРҒАРМОҚ *эск. кам қўлл. айн.* **сарғаймоқ 1.** *Ёшлик — зангор фасл, кечди, сарғарди..* Р. Парфи, Кўзлар.

САРҒИМТИЛ *с. т.* Сарғиш, бир оз сариққа мойил ранг (тус). *[Мингбоши] Чилимни жуда узоқ тортиб чеккандан кейин, сарғимтил тутунни оғзидан совуриб туриб, ўтирганларга хитоб қилди..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

САРҒИМТИР *айн.* **сарғиш.** *Сарғимтир чанг.* ▬ *Қоп-қоронғи кечада ҳовлимизга аллақандай сарғимтир нур чўзилиб кираверди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Завқли баҳор фасли туғаб, ўрик мева берди, майсалар қандайдир сарғимтир тусга кира бошлади.* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи.

САРҒИШ Сариқ рангга мойил, сариқроқ, сарғимтир. *Сарғиш ўт. Сарғиш қум. Сарғиш соч.* ▬ *Поезд саҳро бағрини ёриб, олдинга интилар, сарғиш қумтепалар, саксовулзорларни орқада қолдириб.. манзилга шошар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Муқаддам сарғиш жингалак сочли, серҳаракат, хушчақчақ йигитни эслади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

САРҲАД [*ф. + а.* سرحدّ — чегаранинг боши: чегара, ҳудуд; чек, доира] *кт.* Чегара, ҳудуд. *Давлатнинг сарҳадлари.* ▬ *Бу дунёда сарҳадлар шартли, Бу дунёда собитдир Ватан.* У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё. *Ҳали бу йўлингнинг поёни узоқ, Ҳали сарҳадларда ағёрларинг мўл.* А. Орипов, Йиллар армони.

САРҲАФТА [*ф.* سرهفته — ҳафтанинг боши] *этн.* Куёв томонидан ҳар ҳафтада (ҳафта бошида) келин томонга бериб туриладиган совға-салом. *Бугун бой отанинг ўзлари сарҳафта учун ярим соатдан сўнг келиш қилади.* У. Исмоилов, Сайланма.

САРҲИСОБ [*а. + ф.* سرحساب — огоҳ ва хабардор бўлиш: асосий ҳисоб-китоб, ҳисобот] Ҳисоб-китоб; якуний ҳисобот. *Эҳтимол, ўтирганларнинг ҳар бири жамиятда тутган ўрни, унга қилаётган хизматларини чамалаб, ўзига сарҳисоб бераётгандир.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Бош инженер хатни ўқиди-ю, ўзича ўтган йилги ишларни сарҳисоб қилди.* Газетадан. *Ўз ҳаётимдан ўзимга сарҳисоб айлар хаёл.* Э. Воҳидов.

САРҲОВУЗ [*а.* + *ф.* سرحوض – бош, асосий ҳовуз] Катта ҳовуз. *Бу икки боғнинг орасида сада дарахтлари билан ўраб олинган бир сарҳовуз бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

САС *поэт.* Овоз, товуш; нидо. *Боғ ичра кирдим мен тонгда, Борлиқ сокин: на сас, на товуш.* Х. Даврон, Қақнус. *Тош юрагинг юмшасин, Эшитсин қалблар сасин.* Ҳ. Олимжон. *Ўрмон тўлди қуш сасига, Куйлаб оқди ирмоқлар.* Э. Воҳидов, Нидо.

САСИМОҚ 1 Сассиқ ҳид чиқармоқ, ёқимсиз, қўланса ҳид таратмоқ.

2 Сассиқ ҳид келмоқ; ёқимсиз ҳид урилмоқ (бурунга). *Ҳаммом сасиб ётибди.* ▬ *Йўлчи отхонанинг бир томонида уюлиб, сасиб-бижиб ётган гўнгни аравага ортди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Айниб, ҳидланиб, бузилиб, чириб қолмоқ. *Гўшт сасиб қолибди. Қопдаги сабзи сасиб қолибди. Асал айнимас, сариёғ сасимас.* Мақол. ▬ *Беш килограмм келадиган балиқнинг қулоғини очиб қараб, [Шокиржон] балиқчига пўписа қилди: -Ий-я, ириб қолибдику, сасиганга ўхшайди.* «Гулистон».

4 Ўт чиқармасдан тутаб, қўланса ҳид чиқариб ёнмоқ. *Самовар сасияпти.* ▬ *Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамроқ бир ҳужра.. наригиларида қора чироқ сасиганда, бу ҳужрада шам ёнарди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кўчма дағл.* Аччиқ-тирсиқ, кинояли гап қилмоқ. *Ачиган оғиздан сасиган гап чиқади.* Мақол. ▬ *У [нотаниш киши] Мўмин хунобга нафрат билан қараб олиб, учтўрт оғиз сасиди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *-Уста, аскияни чойхонага чиқиб қиласиз. Бу – мажлис. Гапингиз бўлса, панада сасимай, манови ёққа чиқиб гапиринг! – деди раис.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

САСИР *бот.* Соябонгуллилар оиласига мансуб, сариқ гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

САССИЗ Овозсиз, товушсиз; овоз чиқармасдан. *Козим сассиз одим ташлаб, Азим тўпчининг ёнига борди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

САССИҚ 1 Ҳиди ёмон, ёқимсиз, қўланса. *Сассиқ газ. Сассиқ саримсоқ. Бурунни сассиқ деб кесиб ташланмас.* Мақол. ▬ *-Сассиқ балчиқда ётган сассиқ тўнғиз аввал ўзини қутқарса-чи, бировнинг ғамини ейиш ўрнига! – деди Зулфизар.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Сассиқ ҳид ўрнашиб қолган; ҳавоси оғир; бадбўй. *Сассиқ ҳаммом.* ▬ *Икки йилгача.. мана шу сассиқ баракда чириб ётамизми?* А. Мухтор, Туғилиш. *Зумрад бензин анқиб турган сассиқ кабинадан сакраб тушиб, шийпондаги хотин-қизлар орасида ғойиб бўлди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 Айниб, ҳидланиб, бузилиб, чириб қолган, ачиган. *Кўкариб кетган бу сассиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил қуртлар, тушган ерида бир-икки қилпанглаб, дарров ўларди.* М. Исмоилий, Фарғона. т. о.

4 *кўчма дағл.* Гап-сўзи кишига ёқмайдиган; қўланса (гап, сўз, муомала ҳақида). *Сассиқ одам. Сассиқ сўз.* ▬ *Эшон ҳам, отинойи ҳам иккиюзлама, ёлғончи ва сассиқ гап одамлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мени нима учун бундай қийнайсиз.. Кошкийди, қорача бўлиб туғилган бўлсам, кўргами, калгами тегиб, сизнинг таънангизни, сассиқ сўзларингизни эшитмас эдим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 *кўчма* Бировни камситиш, ҳақоратлашни билдиради. *Оҳ болам, ёшлигим қайтиб келса, бу сассиқ чолга ўлсам ҳам тегмасдим.* С. Аҳмад, Сайланма. *-Сен гапирма, сассиқ кампир, – деди Қумри, Қамчининг ёнини олиб, – эринг билан қўшмозор бўл!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Сассиқ алаф *қ.* **алаф. Сассиқ кекирдак** Овқат ҳазм бўлмаслиги натижасида қўланса ҳидли газ чиқариб кекирадиган. *-Мен ҳам бугун «зиёфат» еявериб, жуда ҳам сассиқ кекирдак бўлиб кетдим, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

САССИҚКОВРАК Зирадошлар оиласига мансуб, елим-смоласи зарарли ҳашаротларни йўқотишда қўлланадиган, пояси йўғон доривор ўт.

САССИҚКЎЗАН *зоол.* Сувсарлар оиласига мансуб, қимматбаҳо мўйнали йиртқич жонивор. *[Амударё дельтасида] Сутэмизувчилардан юмронқозиқ, қуён, сассиқкўзан, бўрсиқ.. ва бошқалар яшайди.* «Иқтисодий география».

САССИҚЛИК Қўланса ҳидлилик, бадбўйлик.

САССИҚПОПИШАК *айн.* **попишак.** *Хизматкор хўкизни етаклаб бозорга бораётганда, бир дарахтдаги сассиқпопишак «поп-поп» дебди.* «Олтин олма».

САССИҚҚЎНҒИЗ Ранги қора, металлсимон товланувчи, тупроқнинг юза қатламида яшовчи йиртқич қўнғизларнинг бир тури. *Сассиққўнғизлар тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида фаол иштирок этади.* «ЎзМЭ».

САТАНГ 1 Пардоз-андозга, кийинишга зеб берган; олифта, башанг. *Сатанг аёл.* ▬ *Келинининг қуруқ, сатанг, эрига меҳри йўқлигидан хуфтон бўлиб турган Хайрибибининг юраги.. эзилди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *-Эй бебош бола, сочи калта, думи юлуқ бир сатангга уйланиб олибсан-у, онанг бехабар, — деди Каромат.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

Сатанг соқол *тар. этн.* Олифта аёлларнинг икки қулоқ орқасидан олдинга солинтириб қўйиладиган икки тутам соқолсимон сочи. *Ичкари уйдан қора атлас кўйлак, қора духобадан узун камзул кийган.. икки қулоғи тагидаги сатанг соқоли билан бир қарич келадиган марварид зиракни рўмол устидан чиқарган ёшгина хотин чиқиб, тўрага салом берди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

САТЕЛЛИТ [*лот.* satelles, satellitis — тансоқчи; йўлдош; шерик] **1** Бировнинг амри, фикри билан иш қилувчи, итоатгўй одам.

2 Расмий жиҳатдан мустақил бўлган, лекин амалда бошқа, ўзидан кучлироқ давлат амри, хоҳиши билан иш тутадиган давлат, ҳукумат. *Сателлит давлатлар.*

3 *астр.* Бирон-бир сайёранинг (табиий) йўлдоши.

САТИЛ [*а.* سطل — пақир; ковш] *шв.* **1** Челак, пақир. *Шу вақт ичкаридан бир қиз икки қўлида икки сатилни кўтариб, дарё лабига келди.* «Гулихиромон». *Бодомгул сатилларни кўтариб, ҳамон шудринг кетмаган ўтзорга оралади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Сирланган кастрюлька. *Сатилга қатиқ ивитмоқ.*

САТИН [*фр.* satin — атлас, шоҳи мато] **1** Ипаксимон ялтироқ ип газлама. *Олма гулли кўрпабоп сатин.* ▬ *Сатин олдим кўрпалик, гуллари турлик-турлик.* «Қўшиқлар».

2 Сатиндан тикилган. *Зебихон ўз чодирига кириб, гулли сатин кўйлагини кийиб чиқди-да, машинага ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ.

САТИРА [*юн.* satira < satura lanx — турли мевалардан иборат овқат; аралашма] Адабиёт ва санъатда: кишидаги нуқсонлар ва ҳаётдаги камчиликлар, салбий ҳодисаларни аёвсиз танқид қилиш, фош этиш ҳамда шундай мазмунда ёзилган бадиий асар; ҳажвиёт. *Сатирада ижодкорнинг мавзуга қараши ўз сезги ва ҳис-туйғуларидан устун туради.* «Ўзбек адабиёти».

САТИРАНАВИС [сатира + *ф.* نویس — ёзувчи] *айн.* **сатирик.**

САТИ́РИК Сатира жанрида асар яратувчи адиб, сатиранавис, ҳажвчи. *Сатирик бу ерда гротеск, муболаға каби сатирага хос хусусиятлардан керагича, унумли фойдаланиши мумкин.* «ЎТА».

САТИРИ́К Сатирага оид, сатира характеридаги; ҳажвий; киноявий-кулгили. *Сатирик асар.* ▬ *-Сизнинг насрий асарларингиз, ҳикояларингизда фикр ёрқин, тил ўткир ва гўзал сатирик чизиқлар бордир, — деди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб. *Масалда сатирик ва юмористик элементлар муҳим ўрин тутади.* «ЎТА».

САТО [*ф.* سه‌تار — «сетор» с. нинг бузилган шакли] Танбурнинг камон билан чалинадиган тури (косаси танбурга нисбатан каттароқ ва юпқароқ бўлади). *Сатода, одатда, куйчан, оҳангдор асарлар турли нолиш ва қочиримлар билан бойитилиб чалинади.* «ЎзМЭ».

САТР [*а.* سطر — чизиқ, йўл, қатор] Босма ёки қўлёзма матннинг ёки шеърнинг ҳар бир йўли; бир қатор. *Шеър сатри. Тўрт сатрдан иборат шеър.* ▬ *Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла Безамоқ чоғидир умр дафтарин.* Ғ. Ғулом. *Шеър ёзайин сенга бағишлаб, Мангу қолгин сатрларимда.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Хатнинг сатрлари қора сиёҳда жуда усталик билан ўчириб юборилган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САТРАНЖ [*а.* + *ф.* سطرنج < *ҳинд.*] **1** *қ.* **шатранж 1.**

2 *эск. айн.* **шахмат.** *Маликанинг оҳу кўзлари сатранж тахтасининг катакларида-ю, хаёллари чарх уриб, олисларда учарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

САТТА, сатти *шв. рвш.* **1** Фақат, нуқул. *Томошага жўнади сатта барваста қизлар.* «Юсуф ва Аҳмад». *-Бу унга йўргакда теккан касал экан-да. Қизларнинг сатта ўн гулидан бир гули очилмаганини топади-я, — деди Маҳмуда унга.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бу энди қишлоқ эмас, сатти чордевор эди: томлари бузилган.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

2 Ҳадеб, ҳамиша. -*Умарали сатта ўзини мастликка солиб, гапни чалғитади, — деди Ўрик домла.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

САТТОР [*а.* ستّار — ҳимоя қилувчи, қўриқловчи; тўсиб, беркитиб турувчи; гуноҳларни кечирувчи, афв этувчи (Оллоҳнинг сифатларидан бири)] **1: ўламан саттор** Ўлсам ҳам, асло, сира, ҳеч. *Сора.. онасини уй ичига киришга ундади. Онаси эса, ўламан саттор, бу уйга кирмайман, деб қизини ўша заҳотиёқ эргаштириб кетмоқчи бўлди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

2 Саттор (эркаклар исми).

САТУРН [*лот.* Saturnus — Қадимги Рим мифологиясида: экин-тикинлар маъбуди ва зироатчилик ҳомийси] (*С — катта*) *астр.* Қуёш системасидаги сайёралардан Қуёшдан узоқлиги бўйича олтинчи, катталиги бўйича иккинчи, атрофида ҳалқаси мавжуд бўлган сайёра; Зуҳал, Кайвон. *Сатурнни илк бор Галилей 1610 йилда кашф этган.* «ЎзМЭ».

САТҲ [*а.* سطح — юз, юза; сирт; текислик] **1** Бирор нарса-буюмнинг, жойнинг устки, юза томони; юз, юза, бет. *Ер сатҳи. Ҳовли сатҳи.* ▬ *Ой сатҳига қадам қўйган дастлабки инсон америкалик астронавт Нил Армстронг эди.* «Фан ва турмуш». *Паром парчалари, кураклари, тахта ва резиналар сув сатҳида сузиб юрарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Баландликларни ўлчашда асос қилиб олинган бошланғич юза, савия. *Денгиз сатҳидан минг метр баланд жой.* ▬ *Томчилатиб суғоришда боғ сатҳидан маълум даражада баландроқ ерда ҳовуз қазилади.* «Фан ва турмуш». *Бу ёқдаги унгур.. сой сатҳидан бир қулоч паст қазилаётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *айн.* **юз** I **8.** *Квадратнинг сатҳи. Доиранинг сатҳи. Сатҳ ўлчовлари.*

САУНА [*фин.* sauna — фин ҳаммоми] Ҳаммомнинг қуруқ, иссиқ ҳаволи тури; фин ҳаммоми. *Сауна иссиқхонасининг деворлари ва терлаш супалари игнабаргли дарахт ёғочидан қилинади.* «ЎзМЭ». *Уйнинг орти қора ойналар билан ажратилган бўлиб, [у ерда] сауна, туркча ҳаммом, терлаш хоналари жойлашганди.* Н. Ёқубов, Жон.

САФ [*а.* صفّ — қатор; тартиб билан, ёнма-ён туриш] **1** Ҳарбийларнинг ёки умуман кишиларнинг ва нарсаларнинг маълум тартибда тизилиши, мунтазам қатори. *Саф тортмоқ. Бир сафга тизилмоқ.* ▬ *Шов-шув, ғала-ғовур бирдан босилиб, ҳамма сафга турди.* О. Ёқубов, Излайман. *Душман сафи бузилиб, ҳар томон тўзиб кетди.* «Нурали». *Йўлнинг икки четида узун мирзатераклар саф торган.* Н. Аминов, Суварак.

2 *кўчма* Бирор жараён, фаолиятнинг энг қизғин ўрни. *Ҳар бир виждонли одам бу курашнинг олдинги сафида бормоғи лозим.* Газетадан.

3 *кўчма* Бирор гуруҳга мансуб кишиларнинг мажмуи, қатори. *Ҳозирги долзарб кунлар масъулияти ҳар бир кишининг ўрни пахтазорда, теримчилар сафида бўлишини тақозо этмоқда.* Газетадан. *Минглаб абитуриентлар талабалар сафига қўшилиш учун синов имтиҳонларидан ўтишяпти.* Газетадан.

Сафга кирмоқ 1) бирор мунтазам тизилган қатордан жой олмоқ; 2) бирор гуруҳдан жой олмоқ, унга қўшилмоқ. *Талабалар сафига кирмоқ. Илғорлар сафига кирмоқ.* **Сафга ўтмоқ** *айн.* **сафга кирмоқ. Сафдан чиқмоқ** 1) мунтазам қатордан олдинга чиқмоқ. *Сафдан бир қадам олға чиқмоқ*; 2) аъзоликдан чиқмоқ; 3) *кўчма* қатордан чиқмоқ, ишдан чиқмоқ. *Эргашевлар окопи ёнида бирданига учта граната портлади. Эргашевнинг жанговар дўстлари яраланиб, сафдан чиқди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

САФАР I [*а.* سفر — саёҳат, сайр; бирор жойга бориш; марта, гал] **1** Хизмат йўли билан ёки саёҳат қилиш, учрашиш мақсадида бирор ерга бориш; йўл. *Узоқ сафар. Бир ойлик сафар. Сафарга чиқмоқ. Сафарга отланмоқ. Сафардан қайтмоқ. Дўст сафарда синалар.* Мақол. ▬ *Сидиқжон икки кундан кейин сафар ҳозирлигини кўриб, тушга яқин йўлга чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бир-икки ойлик сафардан қайтиб келсам, уйимда анчагина хатлар йиғилиб қолибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Сафаринг бехатар бўлсин, савдогар, Эсономон келгин Хитой элидан.* «Ойсулув».

2 Гал, марта; бор. *Ўтган сафар. Бу сафар. Ҳар сафар.* ▬ *Ҳар сафар ҳаққушнинг ноласи эшитилса, Гавҳар аясининг пинжига кириб кетар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кимдир бўғилиб бақирди. Бу сафар Чарос аниқ эшитди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Нариги дунёга сафар қилмоқ *ҳазил* Ўлмоқ, вафот қилмоқ. -*Чекканим ғанимат, —*

деди Али тажанг. — Ҳозир борман, бир минутдан кейин нариги дунёга сафар қиларман. Ойбек, Танланган асарлар. **Сафар қариди** *қ.* **қаримоқ.**

САФАР II [*а.* صفر — арабча ой номи] **1 : сафар ойи** Қамария йил ҳисобида 29 кундан иборат иккинчи ойнинг арабча номи. *[Мулладўст ўзига-ўзи:] Билмайман, мучалим тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилибманми*? Ҳамза, Майсаранинг иши. *Воқеа сафар ойи иккинчи жумасининг ярим кечаси юз бериши керак эди.* А. Мухтор, Чинор.

2 Сафар (эркаклар исми).

Сафар қочди *этн.* Хосиятсиз деб ҳисобланган сафар ойининг охирида бирор кампирга жулдур кийимлар кийдириб, уни қишлоқдан ҳайдаш одати; бунда гўё қишлоқ бало-офатлардан қутулар эмиш. **Сафар қочди қилмоқ** 1) «сафар қочди» маросимини ўтказмоқ; 2) *кўчма с. т.* умуман, қувғун қилмоқ, қувламоқ, маҳрум этмоқ. *[Мулладўст ўз-ўзига:] Бу дунё ҳамма ёғидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун эллик тўртга кирибманки, иқболим наҳс фалокатдан сира ажрамайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

САФАРБАР [*а.* + *ф.* سفربر — сафарга йўлловчи] Бирор тадбирга шай, тайёр. *Баҳор ойлари бошланди. Барча ишчи кучи ва техника далада сафарбар ҳолатга келтирилган.* Газетадан. *Теримга барча куч бўлди сафарбар, Ўлка бўйлаб кезди ҳар кун хушхабар.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

Сафарбар қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) жанговар, тайёр ҳолатга келтирмоқ, долзарб, муҳим ишга жалб этмоқ, фаоллик билан ишга солмоқ. *[Матбуот] Халқни кураш ва ғалабага сафарбар қилаётибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) армия (ёки жанговар отряд) сафига чақирмоқ, жўнатмоқ. *Улар [курсантлар] кетгач, ўрнига энди сафарбар этилган кишилар келди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

САФАРБАРЛИК 1 Армия сафларига чақириш, чақирилиш; жанговар ҳолатда бўлиш. *Сафарбарлик бошланиб, қишлоқдан йигитлар кетма-кет армияга жўнаб кетдилар.* «Саодат».

2 *кўчма* Бирор нарсага тайёр, шай туришлик. *Қишлоқ меҳнаткашлари руҳида сафарбарлик, меҳнат шавқ-завқи мавж урмоқда.* Газетадан.

САФАРБОШИ Сафарда сафар қатнашчиларига, гуруҳга бошчилик қилувчи одам. *Сафарбоши билан Матвей Владимирович ҳам келган, Самарқандда яқинлари бўлмагани учун шу ҳовлида туриши керак эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САФАРДОШ Сафарда бирга бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан), сафардаги ҳамроҳ. *[Муҳаммадали] Сафардоши Мулла Шокирни кўриши билан юзи ёришиб, ўрнидан туриб ўтирди.* М. Осим, Элчилар.

САФАРЧИ Сафарга чиққан ёки сафарда бўлган киши, сафар қатнашчиси. *Сафарчиларга намунали маиший хизмат кўрсатиш.* ■ *Моҳидил кўринишдан камҳафсала, аммо ичи жўш уриб турган участка бошлиғи билан.. доим худди поездга кеч қолаётган сафарчидай шошиб-пишиб гапиришади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САФ-БАСАФ [*а.* + *ф.* صفّبصفّ — саф-саф бўлиб] Саф тортиб, сафга тизилиб. [*Тераклар] Дубулғали аскарлардай Туришади саф-басаф.* О. Ҳакимов, Достонлар. *Саф-басаф гуллар аро Кезганда гулшан тонг қизи, Чайқалур гул денгизи, Бўлгай-да хумор, келадур.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

САФБАСТА *поэт.* [*а.* + *ф.* صفّبسته — саф бўлиб тизилган, боғланган] Сафга тизилган, саф тортган; бир сафдаги. *Сиз меҳнатда ҳамкор, жангда сафбаста, Сиз эзгуликларга тугамас консиз.* Уйғун. *Энг олий бинолар икки кўчанинг Сафбаста қизлардай кўрки бўлади.* Ғ. Ғулом.

САФБОШИ Сафда турган ёки бирор ташкилот сафига уюшган кишиларнинг бошлиғи; йўлбошчи. -*Сафбоши оёғини тираб олгандан кейин саф унинг хоҳишига қараб оқади-да, — деди Болтаев Раҳимовга.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САФДОШ 1 Ҳарбий хизматда бирга, бир сафда бўлган кишилар. *Жангчилар янги сафдошларини ўраб олишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир соҳада ёки бир ташкилот сафида биргаликда иш олиб борувчи кишилар. *Бер қўлингни, дилкаш сафдошим, Бўлур ойга етгудек бошим.* Ҳ. Пўлат, Танланган асарлар. *Қаламкаш сафдошлар, газетхонлар.. фан, маданият арбоблари юбиляр газетани қизғин муборакбод қилдилар.* Газетадан.

3 Тенгқур, тенгдош. *Устод Қавомнинг бу феълини сафдошлари билсалар ҳам, билмасликка.. олишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САФИЛ [*а.* سفيل — паст, пасткаш, аблаҳ] *эск. кт.* **1** Жуда ёмон, ночор; қабиҳ. *Биз қиссамизнинг ҳажми сиғдирмаганликдан унинг шаҳардаги сафил ҳаётига тафсилий тўхтай олмаймиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ярамас, разил, палид, ифлос. *Қадрига етмаганни бу оннинг Халқ ичинда юзи қаро бўлсин! Ҳам сафил, ҳамда мохов била тенг, Бутун оламга можаро бўлсин!* Ҳ. Олимжон.

САФЛАМОҚ Бир сафга тизмоқ, қаторга турғизмоқ, саф торттирмоқ. *Аскарларни сафламоқ.*

САФЛАНМОҚ **1** **Сафламоқ** фл. ўзл. н. *Шу пайт бирдан: -Сафлан! — деган команда эшитилди. Отряд сафланди.* К. Яшин, Ҳамза.

САФО [*а.* صفاء — тозалик, тиниқлик, софлик; самимийлик; хотиржамлик] **1** Беғубор тозалик, мусаффолик, софлик. *Инсон туғилмоқда — янги бир одам Кўз очди тонготар сафоси билан.* Ж. Жабборов. *Ўзбек тупроғидан келибман бу бор, Сенгадир ошифта қалбим сафоси.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Хурсандчилик кайфияти, нашъу намо; ҳузур, гашт. *Кайфу сафо қилмоқ.* ▬ *[Гули:] Ғазалкним, сўзлагай меҳру вафодин. Ғазалкним, сўзлагай ишқдин, сафодин.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бутун умрин кечириб кайф билан, сафо билан, Иши бўлмаган экан «ўткинчи» дунё билан.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

3 Сафо (эркаклар исми).

САФОБАХШ [*а. + ф.* صفابخش — сафо бахш этувчи; ёқимли, дилкаш] *поэт.* Хурсандчилик кайфияти, ҳузур бағишловчи, кайф-сафо бахш этувчи; гаштли. *Сафобахш боғлар.* ▬ *Фарғонанинг бинафшаранг тоғларидан эсаётган сафобахш елдан тўйиб-тўйиб шимирмадингми ҳали?* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Қайин ўтин чарсиллаб, хушбўй ис таратиб, тоза, чиройли аланга билан гуруллаб ёнаркан, йигит бутун вужудида уйқу каби элитувчи, май каби сафобахш тотли ором сезади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

САФОГОҲ [*а. + ф.* صفاگاه — кўнгилхушлик жойи] *поэт.* Хурсандчилик, хуш кайфият, ҳузур бағишлайдиган жой, оромгоҳ.

САФОЙИЛ [*а.* صفائر / صفافير] Дастага ўрнатилган бир неча ҳалқали урма чолғу асбоби (ўтмишда асосан дарвиш-қаландарларнинг чолғуларидан бири бўлган). *Улар [қаландарлар] сафойилларини жаранглатиб, Машраб ғазалларини қўшиқ қилиб, ўйинга тушганларида, оломонни бир зумда сеҳрлаб қўярдилар.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим. *Бир куни Калта Минор ёнидан қаландар либосидаги букри кимса сафойилини шақиллатиб, бақириб ўтди.* С. Сиёев, Аваз.

САФОЛАТ [*а.* سفالت — таг, остки қисм; асос; паст(каш)лик] *эск. кт.* **1** Жуда ёмон, ночор аҳвол, абгорлик. *Сафолатга тушмоқ.* ▬ *Кўчанинг икки томонида бўғот томли, қинғир-қийшиқ хароб уйлар, ярим қулаган деворлар оқшом қоронғисида дардли манзара ясайди, сафолатдан, йўқчиликдан қўрқинч сукутга чўкади, қоронғида аста-аста эриб йўқолади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ярамас хатти-ҳаракат ёки хулқ-атвор; разиллик, разолат. *Ҳаёт оёқларига одат, шариат кийгизган разолат ва сафолат кишанларини парчалаб ташлаёлмаганидан, ҳалигача ёр кўксига бош қўйиб, «Севаман!» деб айтолгани йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САФОЛАТЛИ *айн.* **сафил.** *Унинг [Тўғонбекнинг] сафолатли кунларида танишиб, ҳужрасидан жой берган эски қадрдони Алоиддин Машҳадийни пул, кийим билан йўқлаб турарди.* Ойбек, Навоий.

САФОЛИ Хурсандлик кайфиятини бағишловчи, сафо бахш этувчи; сафобахш, гаштли. *Сафоли тун.* ▬ *Ғуломжоннинг сафоли овози ҳар танга ширин жон бўлиб, ҳар онгга ойдин он бўлиб кириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Куй.. қанчалар сафоли куй бу! Садоланган қайси гулшанда!* М. Али, Гумбаздаги нур.

САФОРАТ [*а.* سفارت — воситачилик; элчилик, элчихона] *эск. кт.* Муайян давлатнинг чет элдаги ваколатхонаси, дипломатик вакиллик.

САФОРАТХОНА [сафорат + хона] *эск. кт.* Муайян давлатнинг чет элдаги ваколатхонаси биноси.

САФОҲАТ [*а.* سفاهت — ақли камлик, пастлик; тентаклик; уятсизлик, сурбетлик] *эск. кт.* Нодонлик, нодонларча хатти-ҳаракат, аҳмоқона иш. *Мана бул сабабдан.. фақир ва бечора болалар.. ниҳол умрларин сафоҳатга барбод беруб кетмакдадурлар.* Ҳамза, Танланган асарлар.

САФРО [*а.* صفراء — сариқ ранг; оқимтир; ўт, сафро] Одам жигаридаги безлар

орқали мунтазам ишлаб чиқиладиган кўкимтир сариқ суюқлик; зарда, ўт. *Сафро одатда жигардан ўн икки бармоқли ичакка оқиб тушиб, сўнгра ингичка ичакка ўтади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

Сафро ташламоқ Сафро қайт қилмоқ. *[Жўрабек] Душанба, сешанба кунлари сафро ташлаб, руҳи ёришган кишидек, анча енгил тортди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя. **Сафроси қайнамоқ** *айн.* **зардаси қайнамоқ** *қ.* **зарда.** *Инолчиқ Умархўжанинг тил учидаги тумтароқли сўзига қулоқ соларкан, сафроси қайнар, ер тепиниб, уни сўкишдан ўзини базўр тутиб турарди.* М. Осим, Ўтрор.

САФСАР 1 Бинафшаранг, бинафша рангли. *Сафсар сиёҳда майда ёзилган сатрлар хира парда орқасидагидек эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 *айн.* **сафсаргул**. *Саф-саф тизилиб, Сафсар оёғингга қўйиб сар, Банд-банд узилиб, Жоним билан банда бўлибдур.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

САФСАРГУЛ *айн.* **гулсапсар.** *Ҳужра атиргул, пуштигул, сафсаргулларга тўлиб кетди..* К. Яшин, Ҳамза.

САФСАТА [*а.* سفسطه — софизм, сохта хулоса; бекорчи, қуруқ гап; валдираш] **1** Бемаъни гап, таги пуч, асоссиз даъво, назария ва ш. к. *Хўш, ўзингча фалсафа деб ўйлаган бу.. сафсатанг билан нима демоқчисан?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Қўй бу сафсатангни, — деди Шамси Тўраевич Баширжонинг сўзини бўлиб, — ҳамма нарсани динга, худога тақайверма.* Н. Аминов, Суварак.

2 Қуруқ, бекорчи гап. *Бу сафсаталардан мафкуравий мухолифларимиз кўзлаган мақсад аён.* Газетадан.

Сафсата сотмоқ Бемаъни гаплар гапирмоқ, ёлғон назариялар тўқимоқ. *Али десам, бали дейди, оғзимни очиргани қўймай, нуқул сафсата сотади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

САФСАТАБОЗ Қуруқ гап сотишни, сафсатабозликни яхши кўрадиган, сафсата сотувчи. *Сафсатабоз одам.* ▬ *Қудрат у [Тешавой] ўйлаганчалик қуруқ сафсатабозлардан эмас экан.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

САФСАТАБОЗЛИК 1 Маънисиз гаплар айтиш, таги пуч, асоссиз даъво қилиш, ёлғон-яшиқ назариялар тўқиш.

2 Қуруқ гап сотиш, валдираш, вайсаш. *Беҳуда сафсатабозлик билан вақт ўтказиш.*

САФСАТАЧИ *айн.* **сафсатабоз.** *Сафсатачи одам.*

САФСАТАЧИЛИК *айн.* **сафсатабозлик.**

САФҲА [*а.* صحيفه — «саҳифа» с. нинг метатеза ҳолати] *поэт.* Саҳифа, варақ, бет. *Сафҳада ягона сарлавҳа: «Ҳайкаллар», «Ҳайкаллар»..* Т. Тўла.

САХАЛАР Россия Федерацияси таркибидаги Саха Республикасининг туркий тиллардан бири бўлган саха тилида сўзлашувчи туб аҳолиси [рус манбаларида якут (ёқут) деб аталади]. *Сахалар этногенези жуда мураккаб.* «ЎзМЭ».

САХАРОЗА [*юн.* sakchar < *санск.* sakkhara — шакар] Ўсимлик баргларида ҳосил бўладиган қанд; углевод. *Асал глюкоза, фруктоза, сахароза ва минерал моддалардан ташкил топади.* «Фан ва турмуш».

САХИЙ [*а.* سخى — қўли очиқ, саховатли, ҳимматли, олийҳиммат] **1** Ҳеч кимдан нарсасини аямайдиган; ҳотам; ҳотамтой; танти. *Сахий одам. Сахий топса, бўлиб ер, бахил топса, босиб ер.* Мақол. *Сахий билан бахил бир қудуқдан сув ичмас.* Мақол. ▬ *Вақт-бевақт бировникига бир меҳмон келса, отини ушлаб.. кўнглини хушлаб жўнатса, бул одам — сахий.* «Алпомиш».

2 Кишилардан ўз ёрдамини, хизматини аямайдиган, ғамхўр; меҳрибон. *Сахий устоз.* ▬ *Сахий педагог Меҳри опа тарбиялаган ёшларни республикамизнинг ҳамма жойида учратиш мумкин.* Газетадан.

3 *кўчма* Табиий бойликларга бой; тўкин, мўл; мўл-кўл. *Сахий ер. Сахий ёз.* ▬ *Ер! Қандай бойсан, сахийсан, гўзалсан.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Урушдан қайтган ғолиб отадек Қўни-қўнжи тўлиб сахий куз келди.* Ғ. Ғулом.

4 *кўчма* Нурини аямай тўкувчи; юқори ҳароратли (қуёшга нисбатан). *Ана, йўлнинг иккала бети бўйлаб сахий қуёш нурини беармон эмиб, ястаниб ётган токзорлар орқада қолди.* «Шарқ юлдузи». *Хазина ер, зилол сув, Ёз бўйи сахий қуёш.* Ғайратий.

САХИЙЛИК Ҳеч кимдан нарсасини, яхшилигини аямаслик; ҳотамлик. *Сахийлик қилмоқ.* ▬ *Сахийлик, меҳмондўстликда андижонликлар Ҳотамдан ўтса ўтардики, аммо паст келмас эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Сахийликни одат қилган бўлса ким.. Қўлидан давлати кетмасин унинг.* Э. Воҳидов.

САХОВАТ [*а.* سخاوت – қўли очиқлик, олийҳимматлик, саховатлилик]**1** Баланд ҳимматлилик, сахийлик. *Кимхобни кийиб олгач, домла Ниёз «саховатда Ҳотамтойдан, адолатда Нўширавони одил» дан ортиқроқ у жанобнинг ҳақига яна янги дуо ва санолар тўқиди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Саховат қўлини чўзмоқ Ҳиммат қилмоқ; ёрдам қўлини узатмоқ. **Саховатнинг етти дарвозасини очмоқ** Ҳиммат билан эҳсону инъомлар улашмоқ.

2 *кўчма* Табиий бойлик; мўл ҳосил; тўкинлик, мўллик. *Деҳқон ерни ардоқласа, ер ҳам ундан саховатини аямаслигини тажрибада кўриб турибмиз.* Газетадан. *Осмонда офтоб саховат билан нур сочарди.* «Шарқ юлдузи».

САХОВАТЛИ 1 Саховатини аямайдиган, сахий; ҳотамтой, ҳимматли. *Саховатли одам.* ▬ *Феъли кенг, саховатли, меҳмондўст ўзбекларнинг донғи ҳамма ёққа кетган.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма айн.* **сахий 2.** *Саховатли Фарғона боғларида пишиқчилик бошланди.*

САХОВАТПЕША [*а.* سخاوتپیشه] *айн.* **саховатли 1.** *-Маскоп подшоҳи ростдан ҳам саховатпеша эркан! – деди Хўжа Калон бошини ғоз кўтариб.* М. Осим, Элчилар. *Ўйлаймизки, бундай саховатпеша кишилар ҳамиша топилади.* Газетадан.

САХОВАТПЕШАЛИК Саховатпеша бўлишлик, саховатпеша эканлик; сахийлик, ҳотамтойлик. *Лекин Худоёрнинг саховатпешалиги ва маъмуриятпарварлиги меҳнаткашнинг хазинага олтин суратида йиғилган кучидан эмас, бевосита билак кучидан, кўз ёшидан эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

САХТИЁН [*ф.* سختیان – ошланган эчки териси] **1** *от* Эчки ёки қўй терисини ўсимлик мойлари билан ошлаб тайёрланган юмшоқ чарм. *Кўнчилар қайиш, сахтиён.. тайёрлаб, вофурушларга, улгуржи пойабзал тикадиган косибларга чакана сотадилар.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим. *Дағал сахтиёндан этик кийган оёқларини кериб.. пичан уюмларини аравага отарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *сфт. кўчма* Сахтиёндан тайёрланган. *Илк бор байрам куни сахтиён этик кийган бола каби чақнар кўзларим.* А. Шер, Қадимги куй. *Ҳофиз Кўйкий қўйнидан нафис сахтиён муқовали китобни олиб, Бобурга авайлаб узатди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

САЧВОН *с.т. айн.* **чачвон.**

САЧОҚ 1 Гажим, попук, шокила. *Сулув отларга ярашган, Тилла сачоқ тизга тушган.* «Гулихиромон».

2 Отнинг тўпиғи устидаги бир тутам соч.

САЧОҚЛИ 1 Сачоқ тутилган (қадалган); гажимли. *Ёз ёни айвон ўчоқли, Қўли дастурхон сачоқли.* «Қўшиқлар».

2 Оёғида сачоғи бор, оёғи сачоқли (от ҳақида).

САЧРАМОҚ 1 Парчаланиб отилмоқ; сочилмоқ. *Балчиққа кесак отма, юзингга сачрайди.* Мақол. ▬ *Машина ўтганда, лой, сув сачрайвериб, деворлар шалтоқ бўлиб кетган.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Отларнинг тақаси тош йўлга урилганидан, гоҳо учқунлар сачрарди.* «Шарқ юлдузи». *Ой чиқди. Сербулут осмон худди сиёҳ сачраган зангори кўйлакка ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ирғимоқ, сакрамоқ. *Тўғонбек тоқати тоқ бўлиб, сачраб ўрнидан турди.* Ойбек, Навоий.

3 Боши ёки гавдасини кескин ҳаракатлантирмоқ. *Отабек сачраб, Кумушга юз ўгирди: -Бу ўртага Зайнабни келтириб нимага тиқасиз энди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гавҳар, электр токи теккандай сачраб, унинг қучоғидан чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 *кўчма* Қаттиқ-қаттиқ гапирмоқ, тўсатдан ўшқириб, ғазаб билан танбеҳ бермоқ. *Унинг [онасининг] сачрайдиган, болаларига бақирадиган одати йўқ эди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

САЧРАТҚИ I *бот.* Ҳаворанг гулли кўп йиллик бегона ўт (халқ табобатида фойдаланилади). *Қуёш шуъласи ялт этиб тегиши билан, сачратқи ўз тожбаргларини ёзади, ҳавони булут қопласа, гулларини юмиб олади.* Газетадан.

САЧРАТҚИ II *шв.* Баданда, юзда пайдо бўладиган йирингли тошма; иссиқлик. *Баъзан симоб каби лақиллаб турган чўғ парчалари ерга тўкилиб, ҳаммага сачраб кетади. Кимнинг қўли, кимнинг оёғи, кимнингдир юзи сачратқи ярадек жароҳатланиб ҳам олади.* Ойдин, Бечора.

САЪВА [*а.* صعوه – чумчуқсимонларга мансуб қушча] *зоол.* Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, ранг-баранг патли сайроқи қуш. *Ҳозир бу овозга томлар ва пахса де-*

ворлардаги даканг хўрозлар қичқириғи, саъва, булбуллар навоси қўшилишиб, Қудратнинг хаёлини олиб қочди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Унгурларда сакрайди оҳу, Наъматакда саъва миттижон.* А. Орипов.

САЪЙ [*а.* سعى – ҳаж зиёрати чоғида Сафо ва Марва тепаликлари ўртасида югуриш; интилиш, иштиёқ; уриниш, ҳаракат; ҳафсала]: **саъй этмоқ (***ёки* **қилмоқ)** Астойдил ҳаракат қилмоқ; тиришмоқ. *Саъй этмоқлик лозимдир бирга, Золимлардан қутулмоқ учун.* М. Али, Боқий дунё. *Аҳмад кўп ёмон ишларни саъй этиб, охири сабр косамизни тўлдирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САЪЙ-ҲАРАКАТ Астойдил ҳаракат; уриниш. *Бошда бундай саъй-ҳаракатлар Авазга табиийдек туюлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кўлмак сингари хор бўлмай деган дангаса одам саъй-ҳаракатдан тинмасин, дангаса бўлмасин, беҳуда хаёлларни кўп сурмасин.* Газетадан. *Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчиликнинг олди олинади, ҳудудда осойишталик ҳукм суради.* Газетадан.

САҚАР [*а.* سقر – дўзах, жаҳаннам] *дин.* Мусулмонларнинг эътиқодига кўра, етти дўзахнинг бири; дўзах.

САҚИЧ Чайнаш учун мум ва арча ширасидан махсус технология билан тайёрланадиган модда. *Сақич чайнамоқ.* ▬ *Майда савдогарлар сақич, гилвата сотишарди.* И. Раҳим, Ихлос. *[Хон ўрдаси мирзосининг] Мадрасада ўқиб юрган ўғли ва уйда сақич чайнаб ўтирган ўн олти ёшли қизчаси ҳам бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Сақич бўлмоқ Ғийбат, турли миш-мишлар сабабчиси (объекти) бўлмоқ. *Мен гапсўздан қўрқмайман-у, эл оғзида сақич бўлиш, миш-мишчиларни ўчакиштириш ҳам ҳавас эмас.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Сақич қилиб чайнамоқ** Бир гапни ҳадеб гапиравермоқ, эзмалик қилмоқ. *Аввало одамларнинг оғзига тушма, оғзига тушганингдан кейин, сақич қилиб чайналасан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

САҚЛАГИЧ *тех.* Турли механизм, асбоб ва ш. к. да тасодифий ҳодисалардан сақлаб, хавфсизликни таъминловчи қурилма, асбоб. *Электр сақлагич. Тўппонча сақлагичини босиб қўймоқ.*

САҚЛАМОҚ 1 Эҳтиёт қилмоқ; эҳтиёткорлик билан (бирор жойда) асрамоқ, асраб-авайлаб ишлатмоқ. *Сандиқда пул сақламоқ. Омборда қиш учун ғалла сақламоқ.* ▬ *Маҳсини уч кун ҳайитда кийиб, сақлаб қўйгандим, ана уни пуллаб, тагчарм оламиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана, ўшал нафис гулингни Китобимда сақладим бир йил.* Т. Тўла. *..бутун орттирганини «тишининг ковагида сақлаб» тўплайди-да, бир жийрон қашқа от олади ва довондан сўнгги марта от миниб ўтади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ташқи таъсирдан муҳофаза қилмоқ; айниш, бузилиш-ёрилиш, нест-нобуд бўлишдан, барбод бўлишдан асрамоқ, эҳтиёт қилмоқ. *Оилани сақлаб қолиш учун, фарзандларим учун ҳаракат қилдим, лекин иложи бўлмади.* Газетадан. *Арча тоғ ёнбағирларидаги тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлайди.* Газетадан.

3 Эҳтиёт қилиб, асли ҳолати, хусусияти ёки кўринишини ўзгаришсиз олиб қолмоқ. *Кампир холамиз бу сандиқларда энг олдин беҳи сақлаган бўлса ажаб эмас.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Лайлонинг онаси... элликлардан ошган, лекин ҳали ҳам ўзини яхши сақлаган, зуваласи пишиқ аёл экан.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Фикримизча, ҳар қандай шароитда жуфтлик хусусиятини сақлаган жуфт сўзлар луғатларда берилиши лозим.* «ЎТА».

4 Бирор кимсага атаб ёки бирор мақсад учун (буюм ёки емишларни) асраб қўймоқ. *Буларни кимга сақлаб қўйибсиз?* ▬ *Сулувнинг миясига бир фикр келиб, михдай санчилди: отаси энг сўнгги кучини фақат қасос учун сақлаб олиб келган.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Мен унақа кек сақлайдиганлардан эмасман.* С. Аҳмад, Ҳукм.

5 Ҳимоя, муҳофаза, ғамхўрлик қилмоқ, қўриқламоқ. *Давлат чегараларини сақламоқ. Халқларнинг тинчлигини сақламоқ.* ▬ *Бугунги кунда инсоният олдида ниҳоятда муҳим муаммо турибди, у ҳам бўлса, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш.* Газетадан. *Табиатни муҳофаза этиш, ҳайвонот дунёсини сақлаш ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга.* Газетадан.

6 Халос қилмоқ, қутқармоқ; омон қолдирмоқ. *Ўлимдан сақламоқ. Ҳалокатдан сақламоқ.* ▬ *Менинг бурчим – ўлаётган одамнинг олдида бўлиш, – деди у, – эҳтимол, унинг жонини сақлаб қоларман.* К. Яшин, Ҳамза. *Шунда Қиличқора айтибди: -Аждар-*

дан элни сақлайдиган мард топиладими? «Эртаклар».

7 Бирор хатти-ҳаракатдан қайтармоқ, тўхтатиб қолмоқ, тиймоқ. *Ёмон сўздан сақла доим тилингни.* «Нурали».

8 Риоя қилмоқ, муайян ҳолатга амал қилмоқ; сукут сақламоқ. *Тартиб-одоб, интизом сақламоқ.* ▬ *Жувон ўзини тартибга солиб бўлгунча, жойидан қимир этмай, одоб сақлаб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

9 Белги, из, нишона олиб қолмоқ. *Сақлаб қопти одам изларин Бу тоғларнинг мусаффо қори.* Ш. Раҳмон. *Бу осори атиқалар ўзида ўтмиш нафасини сақлаб қолган.* Газетадан. *Ҳар бир ўткинчининг қиёфасини ёдда сақлаб қолиш учун бутун фикру ўйлари, идрокларини бир нуқтага тўплаб турибдилар.* С. Аҳмад, Юлдуз.

10 Доимий равишда қадрламоқ, эҳтиром билан эсламоқ. *У [Алимардон].. чинакам санъатни қалбининг тўрида сақлашга қодир бўлган чинакам шинавандалар озмунча эмаслигини билмас, билишни хоҳламас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

11 Асрамоқ, боқмоқ, тутмоқ. *Хизматчи сақламоқ. Қуш сақламоқ.*

Жон сақламоқ *қ.* **жон 3.** *-Қочиб қолганми? — дедилар отам, — бостирмада беркиниб, жон сақлаган бўлиши ҳам мумкин.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. **Сир сақламоқ** Бирор воқеа-ҳодиса, гап-сўз ёки фактни ўзгалардан яшириб юрмоқ, ошкор этмаслик. *Мен бу сирни шу чоққача ичимда сақлаб келаётган эдим, энди айтмасам бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳатто ота-онасидан ҳам сир сақлаган бир йигитнинг ўз ўғлим бўлиб чиққани менга қизиқ кўринадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Худо сақласин** Сира кўрсатмасин; бошга тушмасин; асло, ҳеч қачон. *Одамларнинг юзига қарай олмайдиган бўлиб қолишдан худо сақласин.* Т. Ашуров, Оқ от. **Эсда (***ёки* **ёдда, хотирада) сақламоқ** Ёдда тутмоқ, эсдан чиқармаслик, унутмаслик. **Ўз қўлида сақламоқ** Ўз қўлида, ихтиёрида, амрида тутиб турмоқ. *Ҳокимиятни ўз қўлида сақламоқ.*

САҚЛАНДИ *шв.* Асраб олинган, асранди. *Сақланди қиз.* ▬ *Сувга ташна бўлди Чамбилнинг чўли, Ташналикдан ўлар чўлнинг булбули, Ташлаб кетгин олдингдаги улоқни, Гўрўғлининг боқма, сақландиули.* «Бўтакўз».

САҚЛАНИШ 1 Сақланмоқ фл. ҳар. н. *Материянинг сақланиш қонуни* (*флс.*).

2 Ўз-ўзини ҳимоя қилиш; муҳофаза, ҳимоя қилиш. *Атом радиациясининг таъсиридан сақланиш. Ёнғиндан сақланиш қоидалари.* ▬ *Инсон турли зарарли касалликлардан, юқумли дардлардан сақланиши керак.* Газетадан.

САҚМОН I *шв.* Сопқон, палахмон. *Сақмон отмоқ.*

САҚМОН II Қўзиларининг ёши ва ривожланиши бир хил бўлган эмизикли она қўйлар гуруҳи. *Сақмонлар, одатда, янги қўзиларни бут сақлаш, парваришлаш мақсадида тузилади.* «ЎзМЭ».

САҚМОНЧИ Сақмондаги қўй-қўзиларга қаровчи чўпон, қўйчивон (*қ.* **сақмон** II). *Ҳар бир сақмонга чўпон вазифасини бажарувчи сақмончи тайинланади.* «ЎзМЭ».

САҚОҚУШ *зоол. айн.* **бирқозон, мешкобқуш.**

САҒАЛ *рвш. шв. с.т.* Бир оз, андак; салпал. *Сағал сабр қил.* ▬ *Бу калтаги сийлаб ўтди, Калтак сағал тегиб қобди.* «Баҳром ва Гуландом».

САҒАНА [*ф.* سغانه] *с. т.* Мақбара. *Дўппайиб турган катта-кичик сағаналар тепасида ярим ой шаклидаги моҳча — туйнукачалар совуқ йилтирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Умарқул онаси арвоҳини шод қилди: унинг Туркистондаги қабри устига сағана ўрнатди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

САҒИР [*а.* صغير — унча катта бўлмаган, кичик; майда; ёш бола] **1** Ҳали вояга етмаган етим бола. *Сағир ҳаққига тегиб бўлмас. Сағирнинг ҳақи — сопқоннинг ўқи.* Мақол. ▬ *-Десангиз, Ойнахон, ўзи [Маъмуржон] бир сағир бола, ҳеч кими йўқ, — деди меҳмон хотин.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Душман кўрсанг, қўймай издан қувлагин, Сағир кўрсанг, анинг кўнглин овлагин.* «Эрали ва Шерали». *Мадамин шовқин солди: -Худойқул менинг жигарим, аммамдан қолган сағир. Етти ёшидан боқиб одам қилдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёш бола, кичкина бола. *Маҳалла бу ҳангомадан уйғониб, Эшигига келди сағиру кабир.* Муқимий.

САҒИРХОНА [сағир + хона] *эск.* Етимхона; меҳрибонлик уйи. *Областда.. ота-онасиз қолган болаларни боқиш, тарбиялаш*

мақсадида сағирхоналар очилди. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

САҒРИ 1 От, эшак, қорамол кабиларнинг орқа оёғининг устки қисми. *От сағридан, қўй бағридан.* Мақол. ▬ *Бек от сағрисига аччиқ билан қамчи босди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тўнғич ботир шернинг сағрисига қилич урибди.* «Чалпак ёққан кун».

2 Гавданинг думба билан бел ўртасидаги қисми. *Итнинг тиши.. сағримга ханжар ургандай ботган эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 Отнинг сағри терисидан тайёрланган, кавуш учун ишлатиладиган кўн, чарм. *Кўнчилик корхоналарида сағри тайёрлаш муҳим ўринни эгаллаган эди.* Ф. Озодаев, Саноат.

4 Шундай чармдан қилинган (пойабзал ҳақида). *Қиш-ёз оёғида бир сағри кавуш. Маҳси ҳам минг ямоқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

САҒРИЧИ Сағри тайёрловчи, кўнчи (*қ.* **сағри 3**). *Абдуваҳоб сағричи бўлса, белбоғига осиб олган соқолтароғини қинидан олиб.. қўнғир соқолини таради.* Мирмуҳсин, Дорбозлар.

САҲАР [*а.* سحر – эрта тонг, тонготар] Ғира-шира тонг ёришган маҳал, эрта тонг пайти; субҳидам, тонг, азон. *Қовун есанг, саҳар е, саҳар емасанг, заҳар е.* Мақол. ▬ *Вақт саҳарга яқин, теварак-атрофдаги хўрозлар кетма-кет қичқиришарди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Улар саҳар туриб, қишлоққа йўл олдилар.* «Муштум». *Ёз фасллари у деҳқончилик қилади, саҳар кетиб, кеч келади.* М. Исмоилий Фарғона т. о.

Саҳар турмоқ 1) барвақт уйқудан турмоқ; 2) *дин.* рўза ойи кунларида барвақт туриб саҳарлик қилмоқ. **Эрта** (*ёки* **тонг, каллаи**) **саҳар** Жуда эрта, тонг отар-отмас. *Тонг саҳарда турмоқ.* ▬ *Куз пайти кечқурунлари ва тонг саҳарда ҳаво тоза ва хийла салқин бўлади.* Газетадан.

САҲАРЛАБ *рвш.* Эрта билан, барвақт, эрта тонгда; субҳидамда, азонда. *Саҳарлаб турмоқ.* ▬ *Аваз аранг тонг оттирди. Саҳарлаб Эшжонни етаклади-ю, йўлга тушди.* С. Сиёев, Аваз.

Каллаи саҳарлаб Жуда эрта, азонлаб, барвақт, тонг отмасдан. *Соҳиб қори кўриб қолса нима дейди, каллаи саҳарлаб боғимда нима қилиб юрипти бу хотин, демайдими?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аёл тонг саҳарлаб жунжикиб уйғониб кетди, осмон оқариб келарди.* М. Мансуров, Ёмби.

САҲАРЛИК *дин.* Рўза ойи кунларида тонг отмасдан, рўза тутиш вақти бошлангунга қадар ейиладиган овқат ва шунга белгиланган вақт. *Саҳарлик қилмоқ.* ▬ *Рўза тутиш шоҳу малайга баробар келган мажбурият бўлгани учун, сурнай ва нақора [ноғора] сарой аҳлини саҳарликка уйғотмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

САҲАР-МАРДОН [*а.* + *ф.* سحرمردان – мардлар тонги] *айн.* **саҳари мардон** *қ.* **мардон 1.** *Саҳар мардонда турмоқ.*

САҲАРХЕЗ [*а.* + *ф.* سحرخيز – саҳарда, эрта тонгда турувчи] Эрта билан барвақт, саҳарлаб туришга одатланган, саҳарда турувчи, азонда уйғонувчи. *Саҳархез одам.* ▬ *Саҳархез Туробнинг овози ҳаммани оёққа турғизди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Узоқ-узоқлардан саҳархез хўрозларнинг қичқириғи эшитилди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *Саргашта саболар ҳам тин олдилар чаманда, Саҳархез булбуллар ҳам жим қолдилар чаманда.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

САҲБО [*а.* صحباء – олтинранг вино, май] *эск. поэт.* Қизил вино, шароб. *Сенсиз гулу боғ хору саҳро, Кўнглим тиламайди кайфи саҳбо.* Ҳабибий.

САҲВ [*а.* سحو – эътиборсизлик, паришонхотирлик; хато, хатолик] *кт.* Йўл қўйилган хато, камчилик. *-Мен ҳозир сизга Нодирабегим ғазалларидан ўқиб бераман. Саҳв қилсам, кечирасиз, – деди Гулноз бувисига.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Дўстларим, шоир деманг, Эркин ғазал шайдосидир, Ёш денг-у, маъзур тутинг, Саҳв ўлса гар девонида.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

САҲВ-ХАТО, саҳву хато Камчилик ва хатолар. *Йўқ, бойни ўғри ё фирибгар демоқчи эмасман. Лекин саҳв-хато бўлиши мумкин.* С. Айний, Қуллар. *Агарчи мендан ўтган бўлса ҳар саҳву хато, дилдор Кечирсин, тавба қилдим, юз пушаймон, бир келиб кетсин.* Ҳамза.

САҲИЛ [*а.* سهل – енгил, осон; юмшоқ; текис, силлиқ] *эск. кт.* Вазни кам, енгил.

САҲИФА [*а.* صحيفه – варақ, бет; юз, юза; газета] **1** Китоб, дафтар ва ш. к. варағининг ҳар бир томони; бет. *Дафтарнинг саҳифаси.* ▬ *Ҳаммаси бўлиб беш саҳифали ҳикоячага юз эллик саҳифа қоғоз қораланган.* Газетадан.

Мутриб хатчўп солинган бир саҳифани очди-ю, «ўқи!» деди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Варақ бетидаги матн. *Нарзи чўнтагидан газета олиб, уни чироққа тутиб, саҳифаларига кўз югуртирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Газета, журнал ва ш. к. нинг маълум масалага бағишланган ёки бирор умумий мавзу билан боғланган бир бети. *Газетанинг адабиёт саҳифаси. Шеър саҳифаси.* ▬ *Аҳмедов саҳифадаги материалларни кўздан кечиргач, умумий сарлавҳани товуш чиқариб ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *кўчма* Давомли бутун бир ҳодиса, ҳаёт ва ш. к. нинг айрим даври. *Шоир ҳаётининг шонли саҳифалари. Тарих саҳифалари.* ▬ *Тошкент фестивали уч қитъа кинематографчилари ижодида ёрқин саҳифалар очаётир.* Газетадан. *Янги йил ҳаётимизга кириб келиши билан олам янгилангандек бўлади – тарих солномасининг яна бир янги саҳифаси очилади.* Газетадан.

САҲИФАЛАМОҚ *плгрф.* Терилган матнни саҳифаларга бўлмоқ; вёрстка қилмоқ. *Машиналар ғириллаб, Саҳифалаб беради. Бир ёқдан корректорлар Солиштириб кўради.* Қ. Муҳаммадий. *Журналнинг ушбу сони саҳифаланаётганда, редакцияга хунук хабар келди.* «Фан ва турмуш».

САҲИҲ [*а.* صحيح – соғлом; тўғри, чин; ҳақиқий, ишончли] Энг ишончли деб ҳисобланган ҳадис. *Муҳаддислар ҳадисларни ҳақиқий ва ноҳақиқийга ажратиш (яъни кодификация қилиш) билан шуғулланиб.. улардан асосан саҳиҳларини тўплашга интилганлар.* «ЎзМЭ».

2 Энг ишончли деб ҳисобланган ҳадислар тўплами. *«Саҳиҳи Бухорий». «Саҳиҳи Термизий».*

3 Тузатилган, тўғриланган, бехато. *Дарслик ёзувчи киши саҳиҳ матнга таяниш тамойилини эгаллаши лозим.* Газетадан.

САҲН [*а.* صحن – идиш, тарелка; ҳовли, очиқ майдон] Бирор чекли (чегарали) юза, майдон. *Ҳовли саҳни. Залнинг саҳни.* ▬ *Ямяшил саҳни билан осмон каби кенгдир бу боғ, Ерга кўк тушган каби юлдуз қатор минглаб чироғ.* Ғ. Ғулом. *Боғнинг саҳнини Салим уч ярим таноб, Фазлиддин уч таноб мўлжаллади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳовли саҳнида катта ҳовуз, атрофи мармар тошлар билан ишланган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

САҲНА [*а.* صحنه – томоша кўрсатиладиган жой] **1** Томоша кўрсатиладиган жойда, театр, кинотеатр, концерт зали ва ш. к. томошахоналарда спектакль, кино қўйиладиган баланд жой. *Театр саҳнаси. Саҳна дарпардаси.* ▬ *Қоронғилик секин ёришиб, саҳнада ҳарир кийимларга ўралган раққоса Малак хоним пайдо бўлди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир. *Андижон театри саҳнасида Лутфихоним Саримсоқова ижро этган ролни биринчи бор кўрганим ҳамон эсимда.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 Умуман, театр хизмати, театрдаги фаолият. *Умрини саҳнага бағишламоқ.* ▬ *Унинг ёши элликдан ошиб, дам олиш пайти яқинлашса ҳам, шу болаларни боқиш, тарбиялаш учун, уларнинг келажаги учун яна саҳнага қайтди.* Газетадан.

3 *кўчма* Бадиий асардаги айрим қисм-воқеа, эпизод. *Учрашув саҳнаси.* ▬ *-Хўш, тўй саҳнасини яна бир марта такрорлаймиз, – деди кўзойнакли режиссёр.* Газетадан.

САҲНАБОП Саҳна учун мос, саҳналаштирилиши осон асар. *Саҳнабоп асар.*

САҲНАВИЙ Саҳнага, саҳнадаги фаолиятга оид; саҳна учун мос. *Романнинг саҳнавий талқини.*

САҲНАДОШ Бир саҳнада, театрда бирга ишлаган ёки ишловчи, бир саҳна асарида роль ижро этувчи (бир-бирига нисбатан). *Қаламдош, саҳнадош биродарлар бундан буён ҳам ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш режаларини тузиб олишди.* Газетадан. *Узоққа бормай, ўз устозларим, тенгқур ҳамкасблар, саҳнадош дўстларимнинг босиб ўтган йўли, фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.* Газетадан.

САҲНАЛАШТИРМОҚ 1 Бадиий асарни саҳнага қўйиш учун мослаб қайта ишламоқ. *Романни саҳналаштирмоқ.* ▬ *Бир йиғилишда Хуршид ўзининг бир пардали пьесасини ўқиди. Тўгарак қатнашчилари пьесани саҳналаштиришни ташкил қилишди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 Саҳнага қўймоқ, постановка қилмоқ. *Янги спектаклни саҳналаштирмоқ.* ▬ *Биринчи йили А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» драмасидан, келгуси йили С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясидан кўринишлар саҳналаштирдим.* Газетадан.

САҲОБА [*а.* صحابه – Муҳаммад пайғамбар сафдошлари] Муҳаммад пайғамбарнинг

сафдошлари ва яқин ёрдамчилари; кейинчалик уни бир марта бўлса ҳам кўрган кишилар. *У [Анвар қори].. авлиёларнинг ғурбати, саҳобаларнинг фақирлиги ҳақида турли оятлар, ривоятлар келтирди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Саҳобаларнинг ислом тарихидаги алоҳида аҳамияти шундаки, Муҳаммад (сав) вафот этганидан сўнг, унинг таълимотини ҳаммалари бир бўлиб сақладилар.* «ЎзМЭ».

САҲРО [*а.* صحراء – чўл, дашт, биёбон] **1** Ўсимлиги жуда кам, сувсиз бепоён дашт, биёбон; чўл. *Саҳройи Кабир. Бийдек саҳро.* ▬ *Тропиклардан унча узоқда бўлмаган ва ёғингарчилик жуда кам бўладиган жойларда саҳролар пайдо бўлади.* «География». *Кечга яқин улар яйлов тугаб, саҳро бошланадиган ерга етиб келдилар, сарғиш барханлар, чиройли гуллаган саксовул буталари кўринди.* А. Мухтор, Чинор.

2 *кўчма* Арктика ва Антарктидадаги қор ва муз қоплаган ерлар.

САҲРОЙИ [*а.* صحرائى – саҳрога тегишли, саҳрода бўладиган] Саҳрода яшайдиган. *Саҳройи халқнинг қишловларига от қўйиб, минглаб қўйиларни ўлжа ҳайдашни севади.* Ойбек, Навоий. -*Саҳройи мўғул ашъор тинглашдан қочди! – деди кулиб Султонмурод.* Ойбек, Навоий.

САҲҲОФ [*а.* صحّاف – газета сотувчи; муқовачи, муқова ясовчи] **1** Китобларни муқоваловчи уста; муқовасоз. *[Илгари] Бадиий безакли қўлёзма китобларни яратишда наққош ва саҳҳоф сингари бир қанча мутахассислар иштирок этган.* «Фан ва турмуш».

2 *эск.* Китоб сотувчи, китобфуруш. *Саҳҳофлар катта пул тўлаб, устоз шоирларнинг девонларини унга [Абдусамадга] кўчиртирар ва фойдасига сотар эдилар.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Бобур саҳҳофларни чақириб, бу китобнинг энг баланд нархи қанча бўлишини сўради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Саҳҳоф бозор *тар.* Саҳҳофлар китоб савдоси билан шуғулланадиган бозор. *Ҳусайн шу бугун эрталаб саҳҳоф бозорини айланиб чиқиб, китоб ушлаб турган бир кампирга кўзи тушиб қолган эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

САҲҲОФЛИК 1 Қоғозни саҳифалаш ва китобни муқовалаш касби. *Кейинроқ тўпланган маълумотимга кўра, мулла Назрулло ёшлигида саҳҳофлик қилар экан.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Бозорда саҳҳофлар ёки уларнинг дўконлари ўрнашган жой, саҳҳофлар растаси. *Наққош бундай китобларни Раънонинг сўроғи, ялинишига қараб, саҳҳофликдан топиб келтирар, ўқитиб, ўзи ҳам эшитишни севар эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

СВАРКА [*р.* сварить – «уламоқ, пайвандламоқ» фл. дан ясалган от] *с.т. айн.* **пайванд 2**.

СВАРКАЧИ *с.т. айн.* **пайвандчи**

СВЕТОФОР [*р.* свет – нур, ёруғлик + *юн.* phoros – элтувчи] Пиёдалар ва транспорт воситаларининг кўчада, йўлда ва темир йўлдан ўтиш жойларидаги ҳаракатини ҳамда темир йўл транспорти қатновини тартибга солишда ишлатиладиган ва ёруғлик сигнали (асосан 3 рангда) берадиган электр қурилма. *Автоматик светофор.* ▬ *Узоқдан светофорнинг яшил чироғи кўринди.* Ў. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.

СВЕЧА [*р.* свет – «ёруғлик, нур; чироқ» с. дан ясалган от] **1** *тех.* Ички ёнишли двигателларнинг электр учқун чиқариб, ёнилғи аралашмасини ёндириб берувчи қисми. -*Свечалардан учқун чиқяптими? – деди Раҳимжон. -Бўлмаса, ручкани айлантиринг-чи, кўрайлик.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

2 *физ.* Ёруғлик кучининг ўлчов бирлиги.

СВЕЧАЛИ 1 *тех.* Свечаси бўлган, свеча ўрнатилган.

2 *физ.* Ёруғлик кучи қанчадир свечага тенг бўлган. *Юз свечали электр лампа.*

СВИТЕР [*ингл.* sweater < sweat – терламоқ, тер чиқармоқ] Жун ипдан тўқилган, тугмасиз калта иссиқ кийим. *Эшикда Санам кўринди. Устида кўкиш свитер.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Рустам қизнинг хаёлида жонланди. «Бугун ҳам у свитер кийиб юрган бўлса керак», деб ўйлади у.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СВОДКА [*р.* свести – «тўплаб хулоса чиқармоқ, бирор шаклга келтирмоқ» фл. дан ясалган от] *эск.* Бирор ишнинг бориши, режанинг бажарилиши ва ш. к. ҳақидаги кўрсаткичлар маълум тартибда жойлаштирилган ёзма маълумот. *Пахта теримининг бориши ҳақидаги сводка.* ▬ *Ғалла фронтидан олинган сводкага бир назар ташланг-а, республикамиз олган мажбуриятини бажарай деб қолди.* Газетадан.

СЕАНС [*фр.* seance < seoir – мувофиқ бўлмоқ, ярашмоқ; ўринли бўлмоқ] **1** Кино ва б. томошаларнинг ҳар сафар бир марта кўрсатилиши. *Шу чоқ сеансга қўнғироқ бўлди-ю, томошабинлар бирин-кетин залга кетишди.* Газетадан.

3 Такрорланадиган бирор ишнинг ҳар сафарги бажарилиши. *Гипноз сеанси.*

СЕБАРГА [*ф.* سه‌برگه – уч баргли] *бот.* Дуккакдошларга мансуб, сув бўйида, ўтлоқларда ўсадиган, барги уч бўлакли, бедасимон бир ёки кўп йиллик ўт; ем-хашак экини. *Келинчак оёқларини ариқча лабидаги себарга устига узатиб, юзини ҳўллади.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

СЕБОРЕЯ [*лот.* sebum – ёғ + *юн.* rheo - оқмоқ] Ёғ безлари функциясининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган, кўпинча балоғатга етаётган ўсмирларда учрайдиган тери касаллиги. *Себорея, асосан, юз, бош, кўкракнинг юқори қисми ва елкада, яъни ёғ безлари кўп жойлашган ерларда учрайди.* «ЎзМЭ».

СЕВАЛАМОҚ Майдалаб, томчилаб ёғмоқ; шиваламоқ (ёмғир ҳақида). *Икки кундан бери гоҳ севалаб, гоҳ шиддат билан ёғаётган ёмғир ҳамма ёқни ивитиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ташқарида севалаб ўтган майин ёмғир ҳам тинди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СЕВГИ 1 Қарама-қарши жинсдаги одамларнинг (эр ва хотин, йигит ва қизнинг) бир-бирига нисбатан чуқур интим, чин қалбдан ва фидокорона илиқ муносабат туйғуси; ишқ, муҳаббат. *Севги пулга сотилмас, кўнгил пулга топилмас.* Мақол. ▬ *Муҳаббат унинг [Гулнорнинг] юрагини ҳар кун яна чуқурроқ эгаллаб, дардини кучайтиргач, севгининг чин маъносини тушуна бошлаганди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Севги одамнинг юрагига тиниқлик, нур, кўнглига эзгу орзулар солади дейишади.* С. Аҳмад, Суд. *Севгини тортиб бўларми Тошу тарозу билан..* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Бирор яқин кимса ёки нарсага нисбатан меҳр-садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуси. *Вақтим чоғ этган – Ватан севгиси! Кўксим тоғ этган – Ватан севгиси!* Ё. Мирзо.

СЕВГИЛИ 1 Кишининг кўнгил қўйган дилдори; ёр, маъшуқ(а), маҳбуб(а). *[Темиржон] Қандай бўлмасин, севгилисининг қўнғироқдай товушини эшитиш дардида изтироб чекар, юраги дам-бадам ҳаприқиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Севгилим, сени деб куйдим қанчалар, Севгилим, юракда дардим лиммо-лим.* «Ёшлик».

2 *сфт.* Севикли, севимли, яхши кўрган. *Севгили ёр.* ▬ *Ҳаёт, қулоқлари ёнида севгили оҳанги бирдан янграб кетгандан, шодлик ҳаяжони билан талпинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЕВГУВЧИ *айн.* **севувчи.** *Икки севгувчи қалбнинг орзулари, ўйлари, қарашлари ҳар масалада ғоят мос келар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕВИКЛИ 1 *айн.* **севгили 1.** *Шу келишган, хушбичим, башанг кийинган йигит, назарида, худди севикли Холдорбекка ўхшаб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Энг қадрли, севимли. *Севикли ўртоқ. Севикли ўқитувчи.* ▬ *Севикли устознинг кутилмагандаги буйруғи Зулфиқорнинг ҳафсаласини пир қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕВИМЛИ 1 *айн.* **севгили 1.** *Акрамхон шу севимли қизнинг севиклиси бўлишни истар, аммо бундай бахтга эришиш осон эмаслигини биларди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *У [Зебо] севиб, севимли бўлганидан мамнун эди, бахтиёр эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Ёқтирадиган, яхши кўрадиган, суюкли. *Севимли касб. Севимли мусиқа.* ▬ *Анвар ҳар ким учун севимли ва хушмуомаласи барчага баравар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Чой миллионлаб кишиларнинг севимли ичимлигидир.* Газетадан.

СЕВИМСИЗ Киши яхши кўрмайдиган, севмайдиган. *Офтоб ойим учун гўё.. Кумуш энди эрига севимсиз, ишдан чиққан ва бурчакка тиқилган увададек бўлиб кўрина бошлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЕВИНАРЛИ Севинса арзийдиган, қувонарли. *Севинарли натижа.*

СЕВИНМОҚ Хурсанд бўлмоқ, шод бўлмоқ, қувонмоқ. *Ич-ичидан севинмоқ.* ▬ *Гулнор, кутилмаганда кетмон олиб кетиш баҳонаси билан келган Йўлчини кўриб, ниҳоятда севинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бойвачча, Ҳамдам Йўлдошевни товушидан таниб, севиниб кетди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Ишнинг енгил кўчишини билиб севинган она Отабекнинг бу шартига дарров кўна қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўзида йўқ севинмоқ Ниҳоятда, жуда ҳам хурсанд бўлмоқ. *Анвар капалак ва олтин-*

қўнғизларни гулзорда учириб юборар, агар улар гулларга қўниб қолсалар, ўзида йўқ севинар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СЕВИНЧ Хурсандлик ҳис-туйғуси; шодлик, қувонч. *Юрагида севинчи тўла, чопади қиз, қуш каби енгил.* Т. Тўла. *-Эҳ, маза! Маза! — Попук севинчидан қуёндай диконг-диконг сакради.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

СЕВИНЧИ Хушхабар учун бериладиган инъом, совға; суюнчи. *Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнининг боласи югуриб кириб қолди: -Севинчи беринг, бек буви, кеннойим келдила!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ишим яхши, ким келса, хотининг Ҳасан-Ҳусан туғди, деб севинчи олавераман энди.* С. Аҳмад, Таржимаи ҳол.

СЕВИНЧЛИ Кишини хурсанд қиладиган, шод этадиган; қувончли. *Севинчли хабар. Севинчли кун.*

СЕВИШМОҚ 1 Севмоқ фл. бирг. н. *Группадаги талабалар Абдухалилни софдиллиги, меҳнатсеварлиги учун севишарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бир-бирини севмоқ. *Омон билан Ойчинор севишиб қолди, икковини унаштириб қўйишди.* «Ойсулув».

СЕВМОҚ 1 Ишқ-муҳаббат туйғуси билан муносабатда бўлмоқ; кўнгил қўймоқ, яхши кўрмоқ. *Жонгинам, мен сенга кўрсатай вафо, Гуллаган баҳорим, сени севаман.* У. Исмоилов, Сайланма. *Шу топдагина у [Алимардон] Муқаддамни севганини, қаттиқ севганини тушунди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Меҳр-муҳаббат, садоқат кўрсатмоқ; ғамхўрлик қилмоқ. *Ватанни севмоқ. Онани севмоқ.* ▬ *Она ўз ўғлини севади фақат..* Ҳ. Олимжон. *Отам бўлмасангиз ҳам, мени отам муҳаббати билан севган содиқ ва меҳрибон бир кишимсиз, яъни маънавий отам.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ёқтирмоқ, яхши кўрмоқ. *Мусиқани севмоқ. Гулни севган тиканни ҳам севади.* ▬ *Нури кийинишни, безакни севар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Жини севмаслик Ёқтирмаслик, таъбига, дидига тўғри келмаслик; ёмон кўрмоқ. *Мингбоши, Содиқ аминни жини севмагани учунми, у бу ерда йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЕГМЕНТ [*лот.* segmentum — бўлак, лахтак; кесма < seco — кесаман] **1** *мат.* Доиранинг ёй ва ватар билан чегараланган қисми; шарнинг кесувчи текислик билан ажратилган қисми.

2 *анат.* Кўп бўғинли жониворлар танасидаги ҳар бир бўғин ёки умуртқа поғонасининг ҳар бир қисми.

СЕГОҲ [*ф.* سه‌گاه — уч ўринли, уч пардали] (С — *катта*) *мус.* **1** Ўн икки мақом тизимидаги маълум шўъба номи (*қ.* **шашмақом**).

2 Шашмақом ва Хоразм мақомлари таркибида бешинчи мақом номи. *Сегоҳнинг 2-гуруҳ шўъбаси «Мўғулчаи сегоҳ» деб номланиб, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар қисмларини ўз ичига олган.* «ЎзМЭ».

СЕДАНА [*ф.* سه‌دانه — уч донали, уч уруғли] *бот.* Бир йиллик ўтсимон зиравор ўсимлик ва унинг нон бетига сепиладиган хушбўй уруғи. *-Ахир седана сепилган, сўлқиллаб турган бундақанги нонни ҳеч қаердан тополмайсиз! — деди Жамолиддин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЕДАНАЛИ Седана сепилган. *У седанали нонни яхши кўришимни билиб.. йўл-йўлакай бозорга кириб, уч-тўртта ёпилган седанали нон олиб келарди.* Мирмуҳсин, Умид.

СЕДИ Гана Республикасининг пул бирлиги.

СЕЗГИ 1 Нарса ва ҳодисалардаги айрим хоссаларнинг миядаги инъикоси. *Кўриш сезгиси. Эшитиш сезгиси. Сезги аъзолари.* ▬ *Сезги дунёни билишнинг биринчи босқичи ва таркибий қисмидир.* «ЎзМЭ». *Сен чал бугун ялпи ҳаёт куйини, Бутун сезги, ҳиссим билан тинглайман.* Ғайратий. *Қалтирарсан ажиб сезгидан..* Р. Парфи.

2 Ақл-идрок билан ҳис этилган, фаҳмланган, пайқалган ички туйғу; фаҳм-фаросат; инстинкт. *Қандайдир узуқ-юлуқ фикрлар, кўнгилни ғаш қиладиган сезгилар уни чулғаб олди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У оналарга хос ички бир сезги билан шунча чақалоқ орасидан ўғлининг овозини — баланд йиғисини дарров ажратиб оларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Элмуроднинг кўнглида энди чолга нисбатан бўлган ҳалиги нафрат ўчиб, унинг ўрнига аянчга ўхшаш бир сезги пайдо бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СЕЗГИР 1 Сезиш қобилияти кучли, ташқи таъсирни тез сезадиган. *Сезгир қиз.* ▬ *У [Тожибой] энди тулкидек айёр, бўридек сезгир бўлиб қолган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ибодов юмшоқ супурги бўлса-да,*

табиатан сезгир, зийрак одам эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Тез фаҳмлаб оладиган; зийрак, ҳушёр; фаҳм-фаросатли. *Бошлиқнинг хушмуомала, маданиятли бўлгани яхши-ю, қани энди у яна сезгирроқ, ғамхўрроқ ҳам бўлса.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Санъаткорнинг ички дунёси, мураккаб ижодий шахсияти алоҳида сезгир бўлади, ҳаётни тушуниш билан ўткирлашгандир.* Газетадан.

3 Энг кичик ўзгаришларни ҳам қайд этадиган. *Сезгир тарози.* ▬ *Чуқур қудуқларга ва ер юзига ўрнатилган сезгир асбоблар қаттиқ ер пўстлоғида микроскопик дарзлар ҳосил бўладиган пайтни пайқайди.* Газетадан. *Адабиётни ҳақли равишда энг сезгир барометрга қиёс этишади.* «ЎТА».

СЕЗГИРЛИК 1 Ташқи таъсирга нисбатан сезгир бўлишлик. *Рецепторларнинг сезгирлиги. Қулоқнинг сезгирлиги.*

2 Ҳушёрлик, зийраклик; фаҳм-фаросат. *Гавҳар бланкаларни тўлдираркан, Талъатнинг зимдан қараб қўяётганини қизларга хос сезгирлик билан ҳис этарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СЕЗГИСИЗ Сезиш қобилиятини йўқотган; ҳиссиз, туйғусиз. *Бармоқларим сезгисиз бўлиб қолибди. Сезгисиз қилиб қўймоқ.*

СЕЗИЛАРЛИ 1 Сезилиши, ҳис этилиши мумкин бўлган, фарқи анчагина катта, кучли. *Қуёш ботганига анчагина бўлган. Қоронғилик қуюқлашган сари.. ҳаво сезиларли даражада совиб борарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Кўзга кўринарли; арзирли, айтарли. *Унинг иш фаолиятида сезиларли ўзгариш бўлмади. Сезиларли натижалар қўлга киритилди.*

СЕЗИЛАР-СЕЗИЛМАС Билинар-билинмас, унча сезилмайдиган; пайқаш қийин бўлган, *Ниҳоят, султоннинг кўкимтирсарғиш юзига сезилар-сезилмас қизиллик югурди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ишлаб турган юракнинг жонли ҳужайраларидаги сезиларсезилмас ўзгаришларни ўрганиш қийин.* Газетадан.

СЕЗИЛМАС Унчалик сезилмайдиган, билинмайдиган; яширин. *Сезилмас истеҳзо.*

СЕЗИЛМОҚ 1 Сезмоқ фл. мажҳ. н. *Зилзила юқори қаватларда кучлироқ сезилади.* ▬ *Қумда кетаётган кишига нинанинг оғирлиги ҳам сезилади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Акс этмоқ, кўринмоқ, билинмоқ, намоён бўлмоқ. *Ҳаёт ўчоқ ёнидаги шохларни гоҳ оёғи билан босиб, гоҳ тиззасига уриб синдиради, унинг шошқин ҳаракатларидан ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бобурнинг Самарқандга яна юриш қилиши қатъий экани унинг гап оҳангидан сезилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Туюлмоқ, ўхшамоқ. *Содиқнинг жавоби унинг устидаги юкни тағин ҳам оғирлаштиргандек сезилиб, у бошини қуйига энгаштирди ва чувак соқолини тузатиб, фикрда қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЕЗИШ 1 Сезмоқ фл. ҳар. н. *Оғриқни сезиш. Масъулиятни сезиш.*

2 Сезги, сезув. *Сезиш қобилияти. Сезиш аъзолари.*

СЕЗМОҚ 1 Сезги аъзолари орқали ҳис этмоқ; ташқи таъсирни туймоқ. *Совуқни сезмоқ. Ҳидни сезмоқ.* ▬ *Мансурнинг илиқ қўллари пешонасини, сочини силаётганини сезиб, кафти билан юзини тўсди-ю, унсиз йиғлаб юборди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *[Гавҳарнинг] Юраги гупиллаб урар, шамолдан қулоқлари шанғиллар, тиззасининг кўзи муздай ерга тегиб турганини сал-пал сезарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ақл-идрок билан фаҳмламоқ; кузатиш, тажриба орқали ҳис этмоқ. *Кейинги вақтларда эрининг нимадандир қаттиқ изтироб чекаётганини Розия сезиб юрибди.* С. Сиёев, Аваз. *Азиза курсдош қизларнинг ғаши келаётганини сезган сайин ўзини ғолиб ҳисоблаб, роҳатланар.. эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Олдиндан ҳис этмоқ, пайқамоқ, фаҳмламоқ. *Совлиқ қандайдир бир ёмонлик юз беришини сезгандек безовта маърар, икки оёғини тинмай силкитаётган қўзи томон интиларди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бу воқеадан хабар топган Султон Али мирзо ўлим хавфи ўзига ҳам яқинлашиб келаётганини сезди-ю, қандай қилиб бўлса ҳам қочиб қутулишнинг пайига тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Шундай деб ҳисобламоқ, шундай деб билмоқ; туюлмоқ. *Лекин Яраш полвон ўз уйида ўзини мусофирдек сеза бошлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Фотима бирдан қалтираб, кучсиз, дармонсиз бўлиб қолгандек сезди ўзини.* Т. Ашуров, Оқ от.

СЕЗОН [*фр.* saison < *лот.* satio, sationis – экиш, экиш мавсуми] *эск. айн.* **мавсум**. *Кузги сезон.*

СЕЗОНЛИ *айн.* **мавсумий**.

СЕЗУВЧАН *айн.* **сезгир.** *Юрак нозик, сезувчан бўлади.* М. Жўра, Изтироб.

СЕЗУВЧАНЛИК Тирик организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирини қабул қилиш хусусияти. *Нерв системаси қанчалик қўзғалувчан бўлса, сезувчанлик шунчалик юқори бўлади ва аксинча.* «ЎзМЭ».

СЕЙСМИК **1** Ер қобиғидаги тебранишларга, зилзилага оид, шу ҳодисалар билан боғлиқ бўлган. *Сейсмик тўлқинлар.*

2 Зилзила кўп бўлиб турадиган. *Сейсмик ўлка. Сейсмик зона.*

3 Ер қимирлашини (зилзила зоналарини) ўрганишга оид; ер қимирлашини махсус асбоблар ёрдамида қайд этиб турадиган. *Сейсмик хариталар.* ▬ *Сейсмик ва микросейсмик районлаштириш хариталари асосида антисейсмик ишларнинг миқёси ва хусусияти аниқланади.* «Фан ва турмуш».

СЕЙСМО- [*юн.* seismos – ер қимирлаши] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилиб келган сўзнинг ер қимирлаши ва Ер қобиғидаги турли силкинишларга алоқадорлигини кўрсатади (мас., *сейсмограф, сейсмотектоника*).

СЕЙСМОБАРДОШ [сейсмо.. + бардош] *сфт.* Зилзила, сейсмик кучлар таъсирига бардош берувчи. *Сейсмобардош қурилиш.*

СЕЙСМОГРАММА [сейсмо.. + *юн.* gramma – ҳарф, ёзув] Ер қимирлаши ёки портлаш натижасида вужудга келадиган ер тебранишлари ёки силкинишларининг сейсмограф ёрдамида қайд этилган ёзуви, чизмаси.

СЕЙСМОГРАФ [сейсмо.. + *юн.* grapho – ёзаман] Ер қобиғидаги механик тебранишларни, сейсмик сигналларни автоматик равишда қайд қилувчи, ёзиб борувчи асбоб. *Ҳар хил турдаги ҳамма сейсмографлар ҳар кундаги ишларини қилиб, ошиқмай-тошиқмай ишламоқда эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

СЕЙСМОЛОГ Сейсмология мутахассиси, зилзилашунос. *Сейсмолог олимлар зилзила марказига сезгир асбобларни ўрнатиб қўйишди.* Газетадан. *Бобур мирзо Қандаҳор тоғларининг хусусиятларини худди сейсмологдай жуда келтириб таърифлайди.* Газетадан.

СЕЙСМОЛОГИК Сейсмологияга оид. *Сейсмологик харита. Сейсмологик тадқиқотлар.*

СЕЙСМОЛОГИЯ [сейсмо.. + *юн.* logos – фан, таълимот] Геофизиканинг ер қимирлашини, зилзилаларни ва улар билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганадиган бўлими; зилзилашунослик. *Японияда зилзила кўп бўлади. Шу сабабли зилзилани ўрганувчи фан – сейсмология ниҳоятда ривожланган.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда. *Сейсмология физика ва геология фанлари билан узвий боғлиқ.* «ЎзМЭ».

СЕЙСМОМЕТРИЯ [сейсмо.. + *юн.* metreo – ўлчайман] Сейсмологиянинг сейсмик асбобларни ҳамда Ер қобиғидаги тебранишларни қайд этиш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

СЕЙСМОТЕКТОНИКА [сейсмо.. + тектоника] Зилзиланинг вужудга келишидаги геологик шароитларни ўрганувчи мустақил фан соҳаси. *Сейсмотектоника 20-асрда вужудга келган.* «ЎзМЭ».

СЕЙФ [*ингл.* safe – хавфсиз, ишончли] Пул, ҳужжат, қимматбаҳо металлар ва б. қимматбаҳо нарсалар сақланадиган мустаҳкам, ёнмайдиган шкаф, қути; пўлат сандиқ. *Почта бошлиғи пўлат сейфни қулфлаб, энди сурғучламоқчи бўлиб турганда, ҳаллослаб кириб келган чолни кўриб, ишини тўхтатди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Мухтор Алиев синчковлик билан у ёқ-бу ёққа кўз югуртириб чиқиб, сейфни қулфлади.* М. Хайруллаев, Ҳикоялар.

СЕКАНС [*лот.* secans – кесувчи, кесиб ўтувчи] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг ўткир бурчакка ёпишган катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция.

СЕКАТОР [*лот.* secare – кесмоқ, қирқмоқ] *боғ.* Боғдорчиликда унча йўғон бўлмаган шох ва новдаларни, янги кўчатларнинг ортиқча қисмларини кесиб тўғрилайдиган асбоб тоққайчи.

СЕКИН *рвш.* **1** Оҳиста ҳаракат билан, аста, ошиқмасдан, шошилмасдан. *Секин юрмоқ. Эшик секин очилди. Дарё секин оқарди.* ▬ *Раъно секин бошини кўтариб кулумсиди ва юзини четга ўгирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Билинар-билинмас, сезилар-сезилмас. *Шеригим мени секин туртиб имлади. Қа-*

булхонага чиқдик. А. Қаҳҳор, Бек. *[Фотиманинг] Ўғлининг сочларига теккан бармоқлари секин қимирлади-ю, силашга ҳам журъат этолмай, тўхтаб қолди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Атрофда тобора одам кўпайиб борар, биров унга узоқдан таъзим қилар, биров қуюққина кўришар, нотаниш кишилар секин калла силкиб қўярди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Эҳтиёткорлик билан, аста-аста; озор бермай, авайлаб. *Яранинг латтасини секин кўчирмоқ. Зирапчани секин олиб ташламоқ.* ▬ *Талъат пиёлани секингина стол бурчагига қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Вазминлик билан, ҳовлиқмасдан, оҳиста. *Секин тушунтирмоқ.* ▬ *Агар мен бир бойнинг ўғли бўлсам, Нури мени севса, ота-онасига айтмаганда ҳам, атрофдагиларга секин билдирган бўлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Паст товуш билан; эшитилар-эшитилмас. *-Секин! Секин гапир! — Ҳакимбойвачча лабини тишлади, — хотинлар эшитса, гапсўз чувалади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Алимардон секин уф тортиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 Оз-оздан, асталик билан; кам-камдан. *Иложсиз қолган деҳқон баҳони секин камайтириб, етти сўмга тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕКИН-АСТА *айн.* **аста-секин.** *Секин-аста юрмоқ.* ▬ *Қуёш секин-аста кўтарилиб, қалин шохлар орасидан мўралай бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қотмадан келган ҳаракатчан бу йигитнинг номи секин-аста одамларнинг тилига туша бошлади.* Газетадан.

СЕКИНЛАМОҚ Тезлигини, суръатини пасайтирмоқ. *Поезд секинлаб, гоҳ тўхтаб, гоҳ жадаллаб, қор босган бепоён саҳродан борар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шофёр секинлади-ю, тўхтамади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

СЕКИНЛАТМОҚ 1 Секинламоқ фл. орт. н. *Поездни секинлатмоқ. Юришни секинлатмоқ.* ▬ *Саман лўкиллаб бориб, қадамини секинлатди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *с.т.* Пасайтирмоқ, пастроқ туширмоқ (овоз, товуш ҳақида). *-Бу жиҳати сизга кўп ғанимат, — деди махдум ва товушини секинлатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Директор онанинг руҳий ҳолатини сездими, дарҳол унга жой кўрсатиб, радиоприёмникни секинлатди.* Газетадан.

СЕКИНЛАШМОҚ 1 Пасаймоқ, сустлашмоқ; сусаймоқ (тезлик, суръат ҳақида). *Поезд секинлашди. Иш суръати секинлашди.* ▬ *Хирмонга яқинлашганда, Гавҳарнинг қадамлари секинлаша бошлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Авазнинг қадами бир секинлашади, бир тезлашади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Пасаймоқ, пастроқ тушмоқ (овоз, товуш ҳақида). *Мусиқа овози секинлашди.* Газетадан.

СЕКИНЛИК 1 Сустлик, ошиқмаслик; сезилар-сезилмаслик. *Ҳаракатнинг секинлиги. Суръатнинг секинлиги. Товушнинг секинлиги.* ▬ *Афсуски, бу иш жуда секинлик билан амалга оширилятти.* Газетадан.

2 Вазминлик; оғирлик. *Секинлик билан тушунтирмоқ.* ▬ *Увишган қалбимни секинлик билан Эзар эди бўм-бўш бу шаҳар.* А. Орипов.

СЕКИН-СЕКИН *рвш.* **1** *айн.* **аста-секин.** *Секин-секин юрмоқ. Секин-секин гапирмоқ. Секин-секин кўтарилмоқ.* ▬ *Субҳ азони айтилиб, секин-секин тонг ёриб борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Тадрижий равишда, даража-бадаража, поғонама-поғона; оз-оздан. *Секин-секин унутмоқ.* ▬ *Она ўлимига чидай олмаган каби кўринган Нури секин-секин тақдирга.. тан берган эди.* Газетадан.

СЕКРЕТ [*лот.* secretus — ажратилган, ажратиб чиқарилган] *биол.* Одам ва ҳайвон организмидаги без ҳужайралари ишлаб чиқарадиган ва ажратадиган модда; ажралма (тупук, шиллиқ, гормон ва ш.к.). *Организмнинг нормал ҳаёти учун секретлар муҳим аҳамиятга эга.* «ЎзМЭ».

СЕКРЕТАРИАТ [*фр.* secretariat < *лот.* secretarius — ишончли шахс] *қ.* **котибият 1.** *Бош бошқарма секретариати.*

2 *қ.* **котибият 2.** *Мажлис секретариати.*

СЕКРЕТАРЛИК *қ.* **котиблик.** *Секретарлик лавозими.*

СЕКРЕТАРЬ [*лот.* secretarius — ишончли шахс] **1** *қ.* **котиб 2-4.** *Идора секретари.* ▬ *Нега хўп дедингиз, секретарингиз касалхонада, докладни сизга ким ёзиб беради?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

СЕКРЕЦИЯ [*лот.* secretio — ажратиш] *биол.* Одам ва ҳайвонлар организмида без-

лардан секретларнинг ҳосил бўлиш ва ажралиб чиқиш жараёни. *Ички секреция. Ташқи секреция.* ▬ *Секреция – ҳужайра ичида синтез қилинган маҳсулотнинг аста-секин етилиб, кетма-кет бир органоиддан бошқасига ўтказилиб турадиган изчил жараёндир.* «ЎзМЭ».

СЕКС [*лот.* sexus – жинс] Жинсий майл билан боғлиқ кечинмалар, хатти-ҳаракатлар мажмуи.

СЕКСОЛОГИЯ [секс + *юн.* logos – фан, таълимот] Инсоннинг жинсий ҳаёти физиологиясини ўрганадиган фан. *Сексология муаммолари билан турли соҳа мутахассислари.. шуғулланадилар.* «ЎзМЭ».

СЕКСОПАТОЛОГИЯ [секс + патология] Тиббиётнинг жинсий ҳаёт ва хатти-ҳаракатларнинг бузилишидан келиб чиқадиган касалликларни ўрганиш ва даволаш билан шуғулланувчи соҳаси.

СЕКСТИЛЛИОН, секстильон [*фр.* sextillion] Бир сони ва йигирма битта нул билан ифодаланган сон, миқдор.

СЕКТА [*лот.* secta – таълимот, оқим, мактаб] **1** *дин.* Мазҳаб, маслак; асосий, ҳукмрон диний йўналишдан ажралиб чиққан гуруҳ. *Секталар одатда мавжуд диний йўналишларга қарши мухолиф ҳаракат сифатида вужудга келган.* «Фалсафа қомусий луғати».

2 *кўчма* Ўз манфаатлари, фикрлари билан чекланиб қолган, кўпчиликдан ажралган кишиларнинг тор гуруҳи.

СЕКТАНТ [*р*] **1** *дин.* Бирор диний мазҳабга (сектага) мансуб киши.

2 *кўчма* Секта тарафдори ёки қатнашчиси (*қ.* **секта 2**).

СЕКТОР [*лот.* sector – қирқувчи, қирқиб ажратувчи] **1** *мат.* Доиранинг ёй ва икки радиус билан чекланган қисми ва шу шаклдаги нарса. *Сектор юзини ўлчамоқ. Доира сектори.*

2 *эск.* Яхлит бир ҳududнинг маълум радиус ва чегаралар билан чекланган қисми, алоҳида ажратилган ҳудуд. *Мудофаа сектори. Чилонзорнинг еттинчи сектори.* ▬ *Шаҳар беш секторга бўлинган.* Газетадан.

3 Баъзи идора ва муассасаларнинг муайян фаолиятга ихтисослашган бўлими. *Кадрлар сектори. Луғатшунослик сектори.* ▬ *Тозалик сектори ётоқхонанинг ичи ва ташқарисидаги ишларга яхши раҳбарлик қиляпти.* «Саодат».

4 Халқ хўжалигининг муайян иқтисодий ва ижтимоий белгилар билан ажралиб турадиган қисми, соҳаси. *Хусусий сектор. Давлат сектори.*

СЕКУНД [*лот.* sekunda (divisio) – иккинчи (бўлиниш)] **1** *айн.* **сония.** *Бир неча секунд вақт. Секунд стрелкаси.* ▬ *Зокир унинг бир секунд тўхтаганидан дафтарни таниганини сезиб, дув қизарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *мат.* Бурчак градусининг уч минг олти юздан бир улушига тенг бурчак ўлчов бирлиги.

3 *с.т.* Жуда оз вақт; он, пайт. *Очилнинг энг яқин мақсади аниғини билиш, мавҳумликдан қутулиш бўлгани учун дастлабки секундларда «зап билдим», деб ичида асабий кулиб қўйди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СЕКУНДАНТ [*лот.* sekundans, secundantis – ёрдам, кўмак берувчи] **1** *тар.* Дуэль қатнашчиларидан ҳар бир рақибнинг дуэль шартлари ҳақида музокара олиб борувчи ва уларнинг бажарилишини кузатиб турувчи ишончли кишиси.

2 Бокс ва шахмат ўйинларида мусобақа қатнашчисига воситачилик қилувчи, ўйин давомида, танаффус вақтларида хизмат кўрсатувчи шахс. *Рингда секундант бўлиш.*

СЕКУНДЛИ 1 *с.т.* Бир секунд (сония) давом этадиган; бир онли. *Беш секундли сукунат.*

2 *с.т.* Жуда оз давом этадиган, бир онли. *Секундли иш.*

3 *мат.* Секунд катталигидаги, секунд билан ўлчанадиган. *39 градус 25 секундли бурчак.*

СЕКУНДОМЕР [секунд + *р.* мерить – ўлчамоқ] Жуда қисқа вақт оралиғини секундлар билан ўлчайдиган соатсимон асбоб.

СЕКЦИЯ [*лот.* sectio – кесиш, қирқиш] **1** Баъзи идора, ташкилот, жамият ва ш. к. нинг алоҳида бўлими. *Олий Мажлис Доимий комиссиясининг соғлиқни сақлаш секцияси. Спорт клубининг шахмат секцияси.* ▬ *Билим даргоҳида волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка, эшкак эшиш секциялари ишлаб турибди.* Газетадан.

2 *эск. қ.* **шўъба.** *Конференциянинг имло ва нутқ маданияти секцияси. Терминология секцияси.* ▬ *Кенгашда уч секция: ижтимоий-сиёсий терминология секцияси, лингвистик секция ва техника терминологияси секцияси ташкил этилди.* «ЎТА».

3 Магазиннинг муайян турдаги товарлар сотишга ихтисослашган бўлими. *Тайёр кийимлар секцияси.*

4 Машина, механизм, ускуна, асбоб кабиларнинг қувур, труба ва ш.к. тизимидаги бир қанча қисмлардан бири. *Бино секциялари. Трубопровод секцияси.*

5 Тураржой ёки саноат биноларининг тугалланган алоҳида қисми. *Пошша хола кўз ўнгида Дороббекнинг файзсиз секцияси [квартираси] гавдаланиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

СЕЛ [*а.* سيل – оқим; сой, анҳор, жилға] **1** Шиддатли, кучли ёғин; жала. *Томчи – сел бўлмас, Душман – эл бўлмас.* Мақол. ▬ *Май ойи тугаб боряпти-ю, ҳалиям ҳар куни ёмғир, ҳар куни сел.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Баҳорда қаттиқ сел ёғиб, дала бетини қатқалоқ қоплади.* Газетадан.

2 Тоғли ҳудудларда шиддатли ёмғирдан, жаладан ёки қор эришидан ҳосил бўладиган, аҳолига, халқ хўжалигига катта зарар келтирадиган кучли лой-сув оқими. *Тўсатдан келган сел оқими Толлимаржон бош корпусида қурилаётган котлованга урилиб, ишни таққа тўхтатиб қўйди.* Газетадан. *Сел ювиб кетган ёки ёзнинг қаттиқ гирдоблари ялаган тақир ерларнинг майда тошлари оёқ остида ғижирларди.* С. Айний, Қуллар.

3 Гўштнинг суви, қони. *Сели билан қовурилган жигар.* ▬ *Ҳа, мулла ака, қулинг ўргилсин кабоб бор, ейсизми? Сели жизиллаб турибди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Неча бор эътибор бергандирсиз, ҳар қандай гўшт тузланганда, сели чиқиб кетади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

4 *кўчма* Қуёшнинг кучли ҳарорати; қуёш нури оқими. *Қуёш селига мириқиб чўмилган ям-яшил дала барқ уради.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Осмон беғубор, тиниқ, офтоб сели гўдак кулгусидай ёқимтой эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

5 *кўчма* Сел томчилари каби шиддатли ва беҳисоб. *Милтиқлардан ўқ сели ёғдирилиб, «ура» садолари қум саҳросини ларзага келтирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

6 *кўчма* Бирон-бир воқеа-ҳодисанинг, жараённинг кучли, кўпайган ҳолати, оқими. *Ғам сели.* ▬ *Элмурод шундай ўйлар селида ғарқ бўлиб, уйқуси қочди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ёши йигирма иккига қадам қўйганда, Берунийни ҳам ҳодисалар сели юмалатиб, ўзи билан бирга жанубга олиб кетди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар.

Сел бўлмоқ 1**)** завқланиб ҳузур қилмоқ; яйрамоқ; эримоқ. секин бош чайқамоқ. *-Дутор чалганимда, [Сулаймон] сел бўлиб ўтирарди, – деди Меҳри опа.* А. Эшонов, Дутор; 2**)** дув-дув, жуда кўп оқмоқ. *Зубайданинг онаси қизига ялиниб-ёлвориб, кўзларидан ёш сел бўлиб оқиб, ўкраб-ўкраб йиғларди.* К. Яшин, Ҳамза. **Сел қилмоқ** Ҳузур бахш этмоқ, завқлантирмоқ, эритиб юбормоқ. *Болтабой суҳбатнинг гули, қўшиқ айтса, одамни сел қиладиган, аскияда пайровдан чиқмайдиган йигит эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Куйнинг навоси улфатларни сел қилди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

СЕЛАВА [*а.* + *ф.* سيلاب – сел суви] **1** *с. т.* Селоб.

2 *айн.* **сел 3**. *Селаваси оқиб турган гўшт.*

3 *с. т.* Турли ичкиликлар (пиво, арoқ, коньяк ва ш.к.) аралашмаси; коктейль.

СЕЛГИМОҚ Суви, нами қочиб, бир қадар қуримоқ. *Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилди, ерлар селгий бошлади.* Ойдин, Ширин келди. *-Ҳечқиси йўқ, [костюмни] илиб қўйдим, бир оз селгисин, дазмол билан қурийди, – деди Нодира Комилжонга.* У. Назаров, Биринчи мактуб.

СЕЛЕКТОР [*лот.* selector – саралагич, танлаб олувчи] *тех.* **1** Бир қанча маскан (нуқта)ларнинг марказ билан тезкор телефон алоқасини амалга ошириш мақсадида бошқа аппаратлар тармоғига уланган электромеханик қурилма, аппарат.

2 Телевизорнинг зарур телеканални танлаб олиш имконини берувчи, механик ёки электрон тарзда ишловчи механизми.

СЕЛЕКЦИОН **1** Селекцияга оид; селекция иши билан шуғулланадиган. *Селекцион станция.*

2 Селекция йўли билан ҳосил қилинган. *Буғдойнинг селекцион навлари.*

СЕЛЕКЦИЯ [*лот.* selectio – танлаш, саралаш] *қ.х.* **1** Мавжуд қишлоқ хўжалик ўсимликлари ва ҳайвон зотларининг инсонга зарур белги-хусусиятларга эга бўлган навлари, зотлари ва дурагайларини яратиш усулларини ишлаб чиқувчи фан. *Селекциянинг илмий-назарий базаси генетика ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

2 Ўсимлик турлари ва ҳайвон зотларининг мавжудларини сифат жиҳатдан ях-

шилаш ва янгиларини яратиш. *Бизда селекция иши тузук ташкил қилинган, дон ва бошқа экинларнинг кўпгина янги навлари етиштирилган.* Газетадан.

СЕЛЕКЦИЯЧИ Селекция ишлари билан шуғулланувчи мутахассис. *Селекциячи олимлар.* ▬ *Мен кекса селекциячи бўлганим сабабли, ёш укаларимни муваффақият билан табриклайман.* Мирмуҳсин. Умид. *Ғаллакор деҳқонлар, олим ва мутахассислар, селекциячиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли қисқа фурсат ичида бу улуғ ва мураккаб мақсадга эришилди.* Газетадан.

СЕЛЕКЦИЯЧИЛИК *айн.* **селекция 1, 2.** *У [Дадабоев] қўлида тўлиб-тошиб турган ғўза чаноғини олиб, йиғилганларга кўрсатди: -Вилт бу навга яқинлашмайди, бу – ҳозирги энг яхши нав, селекциячилигимизнинг муваффақияти.* Мирмуҳсин, Умид.

СЕЛЕН [*лот.* Selenium < *юн.* Selene – Ой] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент; жигарранг тусли тўқ кулранг модда, металлоид. *Селеннинг энг ажойиб хусусияти шундаки, ёруғлик нури таъсирида унинг электр ўтказувчанлиги кескин ўзгаради.* «ЎзМЭ».

СЕЛЕНОЛОГИЯ [*юн.* Selene – Ой + *юн.* logos – фан, таълимот] Ой сиртининг тузилиши ва кимёвий-минералогик таркибини ўрганувчи фан. *Селенологияда астрофизик усуллар билан бир қаторда геофизик, геокимёвий усуллардан ҳам фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

СЕЛЁДКА [«сельд» с. дан] Тузланган ёки дудлаган сельд балиғи. *Чолнинг хотини.. тарелкада юпқа қирқилган нон, иккита селёдка, бир оз шакар олиб келиб, ўртага қўйди-да, чой келтиргани чиқиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СЕЛИТРА [*лот.* sal – туз + nitrum – табиий сода; ишқор] *ким.* Азот кислотасининг натрий, калий, кальций ёки аммонийли тузи (техникада ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланади). *Аммиакли селитра.*

СЕЛКИЛЛАМОҚ У ён-бу ён чайқалмоқ, тебранмоқ, силкинмоқ; ҳилпилламоқ. *Отда селкиллаб бормоқ.* ▬ *Қўшоқнинг бу киноясига Жаниш селкиллаб кулди ва қўлини ўтга тутиб жавоб қилди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Бу – бошига оппоқ салла ўраган, селкиллаган оппоқ соқолли кекса деҳқоннинг овози эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Остингда ўйнайди минган суворинг, Эгнингда селкиллар тилла туморинг.* «Ойсулув».

СЕЛОБ [*а.*+ *ф.* سیلاب < *а.* سیل – сел, тошқин + *ф.* آب – сув] **1** Сел сувлари.

2 *шв.* Тошқин; сел. *Селоблар вақтида эса дарё тошиб, этагида ҳар йили талай экинзорларни нобуд қилмоқда.* Газетадан.

Селоб ёш *ёки* **кўз селоби** *шв. фольк.* Дув-дув ёш. *Оҳ урганда, кўздан оқар селоб ёш, Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош.* «Алпомиш».

СЕЛОН Сидирға рангли астарбоп шоҳи. *Ипакдан бахмалу шоҳи, банорас, Жужунча ҳам селону ҳар хил атлас.* Ғ. Ғулом.

СЕЛПИМОҚ Кескин ҳаракат қилмоқ, силтамоқ; силкитмоқ. *Агар паровоз қаттиқ селпиб тўхтамаганида, бобо яна анча ухлар эди.* Ё. Шукуров, Бобо Тошкентда. *Сулаймон ака уста Баҳромни селпиб қичқирди: -Қўйворинг! Қўйворинг, дейман.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Абуали элликбоши, юзбошилар кўрсин, дегандек гир айланиб, қиличини селпирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕЛПИНМОҚ Кескин ҳаракат қилмоқ; силтанмоқ, силкинмоқ; тебранмоқ. *Поезд ғизиллаб ўтиб кетди, сўнгги вагон кетидан шамол селпинди.* «Ёшлик». *Одиловнинг машинаси қум тепалар орасидан селпинмай борарди.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

СЕЛТАНГЛАМОҚ *шв.* Гандиракламоқ. *Иккаласи чўлда селтанглаб келаётир.* «Нурали». *Абрай полвон орқасига селтанглаб бориб, кимнингдир фонусига қоқилиб кетди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

СЕЛХОНА [сел + хона] Сел сувларини оқизиш ва ҳудудни сел офатидан муҳофаза қилиш учун қурилган махсус гидротехник иншоот ёки шу мақсад учун мосланган жар, сой. *-Модомики, сел хавфи борми, селхона бўлиши лозим. Сел ҳар йил бир томондан, бир издан келади, – деди Чўли бобо.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Унинг [Умурзоқнинг] маслаҳати билан.. ортиқча сувни жарга – селхонага буриб юбориш чорасига киришилган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

СЕЛЬДЕРЕЙ [*фр.* celeri] Ошкўк сифатида истеъмол қилинадиган икки йиллик сабзавот ўсимлиги; қафас.

СЕЛЬДЬ [*р.* сельдь < *қад. исланд.* sild] *зоол.* Унча катта бўлмаган, овланадиган денгиз балиғи. *Астрахан сельди. Океан сельди.*

СЕМАНТИК *тлш.* Семантикага, маънога оид. *Сўзнинг семантик тизими. Семантик таҳлил.* ▬ *Бундай феъллар коммуникатив алоқада муҳим семантик роль ўйнайди.* «ЎТА».

СЕМАНТИКА [*юн.* semantikos – ифодаловчи, билдирувчи] *тлш.* **1** Тил бирликларининг маъноси. *Сўзнинг семантикаси.* ▬ *Ўғуз шевалари ўртасида лексик мослик билан бир қаторда, айниқса семантикада кучли фарқлар ҳам бор.* «ЎТА».

2 *айн.* **семасиология.**

3 Семиотиканинг асосий бўлимларидан бири.

СЕМАСИОЛОГИК Семасиологияга оид. *Семасиологик тадқиқот.*

СЕМАСИОЛОГИЯ [*юн.* semasia – белги, аломат, ифода; маъно, мазмун + *юн.* logos – фан, таълимот] Тилшуносликнинг тил бирликлари маъносини ва уларнинг ўзгаришларини ўрганувчи бўлими. *Семантик майдон назариясининг жорий этилиши ўзбек тили тарихий семасиологияси муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.* «ЎТА».

СЕМАФОР [*юр.* semaphore < *юн.* sema – белги, сигнал + phoros – ташувчи] Темир йўлда станцияга яқин жойга устун тарзида ўрнатиладиган, ўз қанотларининг турли хил ҳолати ёки яшил, сариқ, қизил рангли (ўчиб-ёниб турадиган) чироқлари воситасида йўлнинг очиқлиги ёки берклиги ҳақида машинистга сигнал бериб турадиган стационар қурилма. *Ҳам ўнг, ҳам чап томондаги семафорларда гоҳ қизил, гоҳ кўк чироқлар ёнади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

СЕМЕСТР [*фр.* semestre < *лот.* semestris – олти ойлик; ярим йиллик < sex – олти + mensis – ой] Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқув йилининг ярми. *Биринчи семестр. Семестр имтиҳонлари.* ▬ *[Раҳим Саидов] Баъзи семестрларда стипендиясиз қоларди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

СЕМИЗ 1 Этли, тўладан келган; тўла. *Семиз одам.* ▬ *Скамейкада ёш болали аёлнинг чап ёнида ўтирган семиз киши бепарво газета ўқирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Саккиз меҳмон ичида иккиси беҳоят семиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Отабек:] Нега Зайнаб семиз-у, Кумуш озғин?!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Яхши боқилган, этли; бўрдоқи; вазндор; ёғ босган. *Семиз қўй. Семиз гўшт.* ▬ *Сувонжон августнинг охирларида ўрмон хўжалиги пунктига келди. Унинг қўлида тўртта семиз каклиги бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Шарофатхон бир катта косада семиз қўй гўштидан пиширилган шўрвадан келтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *қ. х.* Ўсимлик учун фойдали моддаларга бой, серҳосил (ер ҳақида). *Тайёр, семиз ер бўлса, 50 центнердан ҳосил олиш унча қийин эмас.* Газетадан. *Тупроқ – семиз, сув – яқин, ҳавоси очиқ, Қуёш эса йил бўйи бу ерга ошиқ.* М. Шайхзода.

4 *с. т.* Йўғон, қалин, қаппайган; энли. *Семиз китоб.* ▬ *Кечқурун гузарга кириб туринг, кўрасиз. Семиз-семиз сумка кўтарган хотинлар ўтаверади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Эни бир ярим, бўйи икки қарич чамаси келадиган газетанинг устига қора, семиз ҳарфлар билан: «Туркистон вилоятининг газети» деб ёзилган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Олдинда серсавлат Мойлихон ака, ортида жигарранг дипломат ва семиз қоғоз папка кўтарган Ғойибжон пилдираб келар эди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

СЕМИЗАК *бот.* Семизўтларга мансуб, тоғли жойларда ўсадиган бир йиллик ўсимлик.

СЕМИЗЛИК Семиз бўлишлик, тўлалик; йўғонлик. *Семизликни қўй кўтаради.* Мақол. ▬ *-Қаранг, бу ўлгурни, – болдоқли хотин қошини чимириб, ёнида семизликдан пишиллаб ўтирган аёлга қаради, – чой олиб кир десам, ҳали ўтинхонада ивирсиб юрибди.* С. Зуннунова, Гулхан.

СЕМИЗЎТ Суғориладиган ерларда ўсадиган, поясида оқ сутсимон модда бўлган бир йиллик бегона ўт.

СЕМИНАР [*фр.* seminaire < *лот.* seminarium – кўчатхона; мактаб < semen – уруғ] 1 Олий ёки ўрта махсус ўқув юртларида талабаларнинг ўқув режасида белгиланган мавзуларни қанчалик ўзлаштирганликларини аниқлаш, уларнинг мустақиллигини ошириш мақсадида ўқитувчи раҳбарлигида ўтказиладиган машғулот. *Семинар мавзулари тегишли профессор-ўқитувчилар томонидан тузилиб, кафедра мажлисида тасдиқланади.* «ЎзМЭ».

2 Бирор илмий муассасада, ташкилотда ходимлар малакасини ошириш, илмий ютуқлар ва тажрибани ўрганиш, айирбошлаш ва тарқатиш учун ўтказиладиган йи-

ғилиш. *Врачлар семинари.* ▬ *Тошкентда яқинда катта ёзувчилар учун алоҳида, ёш ёзувчилар учун алоҳида семинарлар ташкил этилди.* Н. Сафаров. Оловли излар.

СЕМИНАРИЯ [«семинар» с. дан] **1** *тар.* Баъзи мамлакатларда, мас., 18-аср – 20-аср бошларида Россияда бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган махсус ўқув юрти.

2 16-асрнинг 2-ярмидан Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларида ташкил этилган, айрим христиан черковлари учун руҳонийлар тайёрлайдиган ўқув юрти.

СЕМИОТИКА [*юн.* semeiotike – белгилар ҳақидаги таълимот] Ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ва белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганадиган фан соҳаси. *Лингвистик семиотика.* ▬ *Семиотика ғояси кейинчалик америкалик файласуф Ч.У.Моррис томонидан тартибга солиниб ривожлантирилди.* «ЎзМЭ».

СЕМИРМОҚ 1 Эт олмоқ, вазни кўпаймоқ; йўғонлашмоқ; тўлишмоқ. *Бир терининг ичида қўй неча марта семириб, неча марта озади.* Мақол. *Чумчуқ семирса, ботмон келмас.* Мақол. ▬ *Камбағал уруғ-аймоқ, қўни-қўшнилар, тўйда, азада семирадиган юримсак аёллар қоронғида туртиниб, пиёда жўнашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма с. т.* Жуда хурсанд бўлмоқ; кайфияти кўтарилмоқ. *Бу хушхабарни эшитиб, Абдумалик яна ҳам семирадиган бўлди.* Газетадан.

СЕМИРТИРМОҚ 1 Семирмоқ фл. орт. н.

2 Боқиб эт олдирмоқ; бўрдоқи қилмоқ. *Қўйларни семиртирмоқ. Молларни боқиб семиртирмоқ.*

СЕМИТ *қ.* **семитлар.** *Семит тиллари.*

СЕМИТЛАР *айн.* **сомийлар.**

СЕМИТОЛОГИЯ *қ.* **сомийшунослик.**

СЕМОН *с. т.* Цемент. *Юқори навли семон. Семон заводи. Семон пол.* ▬ *Семон ҳовузга анча сув тўпланиб, устида хазонлар, сочдек майин бақатўнлар қалқиб юрибди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Раҳимов узоқ ўтирмади. Мирвалини қўлтиқлаб, семон йўлкада бирпас кезиб юрди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

СЕМУРҒ [*ф.* سیمرغ – ўттизта қуш: афсонавий қуш номи] Шарқ халқлари оғзаки поэтик ижодидаги афсонавий қуш. *Семурғ ўйланиб қолди, Қалбини шафқат олди.* Ҳ. Олимжон. *Семурғ ўзбек халқ эртак ва афсоналарида ижобий қаҳрамоннинг дўсти, ҳимоячиси, ҳамроҳи, уни "Етти зулмат ичи"дан олиб чиқувчи фантастик қуш сифатида гавдаланади.* «ЎзМЭ».

СЕН *кш. олм.* **1** Ўзидан кичикларга ёки яқин кишиларга мурожаат тарзида ёки уларнинг номи ўрнида ишлатиладиган сўз. *Сен менга мана бу хатни ўқиб бер.* ▬ *Сен – Пушкиннинг севган малаги, Сен – Гёте орзу этган қиз.* А. Орипов. *Сенинг танингга ўқ ҳам ботмайди, найза ҳам.* А. Қаҳҳор, Бос тепкини.

2 *с. т.* (*кўпл. шаклида*) Тингловчига нисбатан менсимаслик, беписандлик каби маънони билдиради. *[Фотима:] Ҳали шошмай тур, сенларга бир жазо берайлик, бошқа диёнатсизларга ҳам ибрат бўлсин.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Жонсиз нарсаларга мурожаат тарзида ёки уларнинг номи ўрнида ишлатилади. *Ажал, сен найзангни санчдингми чиндан Ўзбек шеъриятин паҳлавонига?* А. Орипов. *Руҳимда бир маъюслик сокинлик уйғотганда, Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим.* А. Орипов.

Сен е – мен е *ёки* **сен же – мен же** Овқат жуда ҳам кўп, ҳаммадан ҳам ортиб қоладиган даражада бўлганда айтиладиган ибора. **Сену менга бормоқ** *айн.* **сен-менга бормоқ** *қ.* **сен-мен.** *Худди шу масала устида Тожибой билан Абдурасул орасида жанжал чиқиб, иккови сену менга бориб қолишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **(Ҳап) сеними!** Дўқ-пўписа ибораси. *-Кўраман, кирмаганингни, – деди Бўтабой отланаётиб, – шу қилганингга, сеними*! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СЕНАЖ [*р.* сено – пичан] Ўтларни сўлитиб, шиббалаб, витаминларга бойитилиб тайёрланадиган моллар озуқаси. *Сенажни пичан ва силос учун фойдаланиладиган барча турдаги ўтлар ва уларнинг аралашмасидан тайёрлаш мумкин.* «ЎзМЭ».

СЕНАТ [*лот.* senatus < senex – кекса, қария: қариялар кенгаши] **1** *тар.* Қадимги Рим давлатида: олий ҳокимият органи.

2 *тар.* Россияда: 1711–1917 йилларда қонун чиқарувчи ва давлатни бошқарувчи олий давлат органи.

3 Айрим мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда, парламент юқори палатасининг

номи. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (жами 100 сенатор) ваколат муддати 5 йил.* «ЎзМЭ».

СЕНАТОР [*лот.* senator] Сенат аъзоси.

СЕНИКИ-МЕНИКИ: сеники-меники йўқ Ажратиш, қизғаниш йўқ, ҳамма нарса ўртада. *Талабалар жуда иноқ, уларда сеники-меники йўқ.* **Сеники-меники қилмоқ** У сеники, бу меники, деб нарса талашмоқ, ўзиникини қизғанмоқ.

СЕНИНГЧА *крш. с.* Сенинг фикрингча, ўйлашингча. *Сенингча ким ҳақ?*

СЕНЛАМОҚ *айн.* **сенсирамоқ.** *Дўстини сенламоқ.* ▬ *Бозорком дам сизлаб, дам сенлаб, чолга ўдағайларди.* Т. Ашуров, Оқ от. *[Қоровул:] Э савдогарбача, мени сенлама! Пайғамбар ёшидаги одамман.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар.

СЕН-МЕН: сен-менга бормоқ Айтишиб қолмоқ, уришмоқ. *Арзимаган нарсага сен-менга бориб қолдик.*

СЕНСАЦИОН Сенсацияга, шов-шувларга сабаб бўладиган. *Сенсацион воқеа.*

СЕНСАЦИЯ [*лот.* sensatio – сезиш, ҳис қилиш < sensus – сезги, туйғу] Кутилмаганда содир бўлган, кишиларни ҳаяжонга соладиган ҳайратли ҳодисалар ва бунинг натижасида кўпчиликда туғилган кучли таассурот, шов-шув. *Археологлар топган ҳар бир ажойиб янгилик – ҳам илм, ҳам газета учун сенсацияга айланган эди.* Газетадан. *Карикатура озгина танқидийроқ бўлса, чоп этишмайди. Чунки сенсацияга тоқатлари йўқ.* Газетадан.

СЕНСИРАМОҚ 1 Бирор шахсга «сен» деб мурожаат этмоқ. *Полк командири, Йўлдошни ўзига яқин олиб сенсирай бошлагани, тағин аллақандай сифатлари билан ёш лейтенентни дарҳол ўзига қаратиб олди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 «Сен» деб мурожаат қилиш орқали беҳурмат муносабатда бўлмоқ. *Аҳмаджон қисмга янги келган куни бу йигит ундан: -Қаерликсан? – деб сўради. Ўзидан кичик бу йигитнинг сенсирагани Аҳмаджонга малол келди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

СЕНСУАЛИЗМ [*лот.* sensus – ҳис-туйғу, сезги] *флс.* Билиш назариясида сезгини, ҳис-туйғуни билишнинг асосий манбаи деб тан олувчи фалсафий йўналиш.

СЕНТИМЕНТАЛ [*ингл.* sentimental < *фр.* sentiment – ҳис-туйғу < *лот.* sentire – сезмоқ, ҳис қилмоқ] **1** Сентиментализмга оид, сентиментализмга асосланган, сентиментализм руҳи, ғоялари билан суғорилган. *Сентиментал роман.*

2 Кўнгли бўш, кўнгилчан, ҳаддан ташқари ҳассос ва йиғлоқи. *Сентиментал аёл.*

СЕНТИМЕНТАЛИЗМ [*фр.* sentimentalisme < sentiment – ҳис-туйғу] 18-асрнинг иккинчи ярми ва 19-аср бошларида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатидаги оқим. *Сентиментализмда ҳиссиёт яхшилик ва ёмонликни белгиловчи, инсоннинг қадр-қимматини аниқловчи асосий меъёр сифатида талқин қилинади.* «ЎзМЭ».

СЕНТЯБРЬ [*лот.* september < septem - етти: еттинчи ой] Қадимги Римда 1 мартдан бошланадиган тақвим йилининг еттинчи ойи; Григорий календарида йилнинг тўққизинчи ойи. *Бешинчи сентябрь. Сентябрь ойи. Биринчи сетябрь – Мустақиллик байрами.*

СЕНЧА *рвш.* Сен каби, сендек, сенчалик. *Мен бу тўғрида сенча узоқни ўйлаб турмайман, дарров «лаббай» дейман.* А. Қодирий, Обид кетмон.

СЕНЧАЛИК Сенга ўхшаб; сен каби; сенча. *Шуларнинг [ота-оналар, ака-укаларнинг] ҳам меҳру муҳаббати бордир. Шулар ҳам соғинишар дейман? Ё сенчалик соғинишмасмикин?* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

СЕНЬОР, сеньора [*исп.* senor, senora < *лот.* senior – катта] Испанияда: эркаклар ва аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли.

СЕП *этн.* Қиз узатишда унга ота-онаси ва қариндош-уруғлари томонидан бериб юбориладиган мол, бисот. *Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр.* Мақол. ▬ *Шул замонда олтмиш норни чўктириб, Орта берди Барчин сулув сепини.* «Алпомиш».

Сеп ёймоқ (*ёки* **ёзмоқ**) 1) келиннинг молини ёйиб кўз-кўз қилмоқ, у билан келин тушадиган уйни безатмоқ; 2) *кўчма* чирой бермоқ, ясантирмоқ. *Баҳорги боғларга сеп ёйиб кетган, Чўлларга чашмаю бинафша элтган.* С. Зуннунова.

СЕПАРА [*ф.* سه‌پر – уч паррали, уч қиррали] Қоп-қанор тикишда ишлатиладиган уч қиррали йўғон игна. *Сепара билан қоп тикмоқ.*

СЕПАРАТ [*лот.* separatus – алоҳида, ажратилган < separare – ажратмоқ] *сиёс.* Ман-

фаатдор томонлар билан келишмай қилинган, бир томонлама, алоҳида. *Сепарат сулҳ.*

СЕПАРАТИЗМ [*фр.* separatisme < *лот.* separatus – алоҳида, ажратилган] *сиёс.* Ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш; давлатнинг бир қисмини ажратиб олиб, янги давлат тузилмасини тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмини мухториятга айлантириш ҳаракати. *Сепаратизм ҳаракатлари.* ▬ *Кўпинча ички сабабларни кўпайтирувчи, гижгижловчи, ўз мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар сепаратизмнинг пайдо бўлиши ва кучайишига олиб келади.* «ЎзМЭ».

СЕПАРАТОР [*лот.* separator – ажраткич] Газдан суюқ ёки қаттиқ зарраларни, суюқликдан қаттиқ зарраларни ажратиш, аралашмаларни таркибий қисмларга ажратиш учун мўлжалланган аппаратларнинг умумий номи. *Сут сепаратори. Ғалла тозалайдиган сепаратор.* ▬ *Газ сепараторида газ суюқ ва қаттиқ зарралардан тозаланади.* «ЎзМЭ».

СЕПКИЛ Кўпинча юз, бўйин, қўл терисида пайдо бўладиган сарғиш, қўнғир, қорамтир рангли, шакли ҳар хил бўладиган майда доғлар. *Мирзо Исмоилов қовоқларининг устигача сепкил босган, чуваккина юзини бужмайтирди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Баланд тераклар остидаги оқ уйлардан бирида.. бурни устига беш-ўнта сепкил сочилган, жиккаккина қиз дамо-дам кўзларини микроскопга қадайди..* Мирмуҳсин, Нуқра.

СЕПКИЛДОР Сепкили кўп; сепкил босган; сепкилли. *Сепкилдор қиз.* ▬ *Ўнг томонда ўтирган сепкилдор бола Ботирдан кўзини олмайди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Шодимат.. сепкилдор, лўппи юзи тарвақайлаб кулди-да, «Бормисан, ошна?» деб [Мусаевга] ўнг қўлини узатди.* А. Муҳиддин, Ошналар.

СЕПКИЛЛИ *айн.* **сепкилдор.** *Сепкилли бола.* ▬ *-Энди хотирни жам қил, Аркаш, – деди ёнидаги қизғиш сочли, сепкилли йигит қўшнисига кўз қисиб.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

СЕПЛАМА Наридан-бери, амал-тақал қилиб ясалган (ишланган); омонат. *Сеплама этик.*

СЕПЛАМОҚ Наридан-бери, бир амаллаб ясамоқ (қилмоқ); амал-тақал қилиб тўғриламоқ. *Оз бўлса, эплаб кўр, кўп бўлса, сеплаб кўр.* Мақол.

СЕПЛИ Сепи (моли) кўп. *Сепли қиз. Сепли келин. Сепли қизим бўлгунча, эпли қизим бўл.* Мақол.

СЕПМА *айн.* **сочма 1.** *Уруғни сепма қилиб экмоқ.*

СЕПМОҚ 1 Сочмоқ, пуркамоқ, сачратмоқ (суюқликлар ҳақида). *Ҳар оқшом аяси ҳовлига кўлоблатиб сув сепарди. Кейин райҳон иси билан ўткир тупроқ ҳиди бутун ҳовлини тутиб кетарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Уста вишиллатиб атир сепгач, мижозининг юзини елпиб, сўнг артиб қўяди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Сув сепгандай (*ёки* **қуйгандай**) Жим, жимжит. *Ҳаммаёқ сув сепгандай.* ▬ *Сув сепгандай жимжит. Онда-сонда полиз атрофидан бедананинг ширали овози келади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Сув сепмоқ 1)** юраги ўртанган ғамли, аламли кимсага бир оз тасkин-тасалли бермоқ, дардини юмшатмоқ; совитмоқ. *Гапга хотима бермай, бошқа тарафлардан ҳам камчиликлар топиб, асосли суратда қутидорнинг Отабекка томон ҳароратланаёзган юрагига сув сепмоқчи бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) тўхтатмоқ, якун ясамоқ; пасайтирмоқ. *Жиринглаган телефон аланга ола бошлаган мунозара оловига сув сепди.* Газетадан. *Биринчи муҳаббат алангасига сув сепган.. бебурд, ёлғончи қизни [Ҳайдар] шу тобда аччиқ, аламли сўзлар билан чақиб олгиси.. келарди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 Бир текисда сочмоқ (кукун ҳолидаги нарсалар ҳақида). *Чучварага мурч сепмоқ. Гўштга туз сепмоқ.* ▬ *Холниса ёзиқ хамирга бир оз урвоқ сепди-да, ўқлоғини айлантириб, яна ёйишда давом этди.* С. Нуров, Нарвон. *Бу одам шошмасдан тухумни арчиди, ҳафсала билан туз сепиб, оғзига солди..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Ярасига туз сепмоқ Гап ёки хатти-ҳаракат билан дардини кучайтирмоқ. *Болам, шу муштипар, шу бахтсиз онангнинг ярасига туз сепмасанг, юрак-бағрини қон қилмасанг, даданг келтирган хабарни айтаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *қ.х.* Бир текисда тарқатиб сочмоқ; экмоқ (дон-дун, уруғ, ўғит ва ш.к. ҳақида). *Меҳнат қилмай роҳат кўрмас, уруғ сепмай экин ўрмас.* Мақол. ▬ *-Ҳой чол, манави ер ўлгур шундай ётмасин.. Озгина сабзи уруғи сепиб қўйсангиз-чи? – деди Тўхтабуви.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 *кўчма* Тарқатмоқ, сочмоқ. *Ёғду сепмоқ.* ▬ *Кечанинг олтин чечаклари оғочлар орасидан нур сепади.* Уйғун, Асарлар. *Кенг, те-*

кис кўчага узоқдан чироқлар туман ичида хира, совуқ нур сепади. Ойбек, Танланган асарлар.

Уруғини сепмоқ Бирор жараённинг авж олиши, кенг ёйилиши учун ҳаракат қилмоқ. *Яхшилик уруғини сепмоқ.* ▬ *Низомулмулук фитна уруғини узоқни мўлжаллаб, жуда махфий сепмоқда.* Ойбек, Навоий. **Ўтга (***ёки* **оловга) керосин сепмоқ** Гап ёки бирор иш-ҳаракат билан кимсанинг аламига алам қўшмоқ; кайфиятини баттар бузмоқ. *Қодирқул.. турқини бузмай, яна Ҳасан аканинг ўтига керосин сепди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

СЕПОЯ [*ф.* سه‌پایه – уч пояли, уч оёқли] **1** Тўғон, дамба қуришда, дарё ва анҳорларнинг қирғоқларини сув ювиб кетишидан сақлашда ишлатиладиган, учта ходани учбурчак шаклида бир-бирига маҳкамлаб, поялар ораси харсангтош ва б. материаллар билан тўлғазиладиган мослама. *Сепоячилар дарёнинг ўртасига сепоялар ўрнатдилар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Кўприк хийла узун бўлганлиги учун уч-тўрт жойида тагидан қўйилган зўр сепоя тиргаклари бор эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бирор нарса осиш, илиш учун мўлжалланган уч оёқли асбоб. *Сепоя остида чимдиб димоғни, Челакда пишади антиқа шўрва.* М. Икром, Балиқ овида.

3 *шв.* Новдадан учбурчак шаклида тўқилган чамбарак. *У сават, (ичида) гўшт бор. Ёнидаги сепояда сут, қатиқ..* С. Нуров, Нарвон.

СЕПОЯЧИ Сепоя тўсиқлар ясовчи ва ўрнатувчи мутахассис. *Латифжон.. сепоячилар ичида дам кўриниб, дам кўринмай ишлаётган тенгдош дўсти Борис Ешковга тез-тез кўз ташлаб қўяр.. эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СЕПСИЗ Сепи йўқ; сепи бўлмаган. *Сепсиз қиз.*

СЕПСИЛМОҚ *шв. айн.* **сепсимоқ**. *Ташқарида қатнов сепсилган, майин оқшом жимлигида бақа қуриллар.. эди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Кузнинг мадади билан очлик ҳам сепсилди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

СЕПСИМОҚ *шв.* Пасаймоқ, сусаймоқ; сийраклашмоқ. *Бўрон бир оз сепсиган эди, қир пастидан яна қуюқ тўзон кўтарилди.* А. Ҳасанов, Чироқлар.

СЕПСИС [*юн.* sepsis – чириш, ириш] *тиб.* Йиринг ҳосил қилувчи микробларнинг инфекция ўчоғидан қонга ўтиб, қоннинг заҳарланиши натижасида келиб чиқадиган оғир юқумли касаллик. *Киндикнинг йиринглаши чақалоқлар сепсисига сабаб бўлади.* «ЎзМЭ». *Сепсис касаллигида тил қуруқ, ёрилган ва қорамтирроқ карашланади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

СЕР- [*ф.* سیر – тўқ, ҳаддан ташқари тўйган; кўп, мўл, зиёда] Отлардан кўпликни, мўлликни билдирувчи сифатлар ясовчи олд қўшимча, мас., *сербарг, сергап, сергўшт, серсув, серҳосил.*

СЕРАВЖ [сер.. + авж] **1** *мус.* Авжи кўп, кўп авжли. *Серавж ашула.*

2 Яхши ривожланган, авж олган, тез етилаётган. *Яхши ишлов берилган, озиқлантирилган ғўзалар серавж, ёппасига шоналамоқда.* Газатадан.

СЕРАЖИН Ажини кўп, ажин босган; юзлари бурушган. *Пўлатжон кўзини юмиб, меҳрибон онасининг серажин нуроний юзини кўз олдига келтирди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Чолнинг юзлари бужмайиб, серажин бетлари кичкина бўлиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

СЕРБ *қ.* **серблар.** *Серб тили. Серб аёл.*

СЕРБАР Эни кенг; энли. *Сербар чит.* ▬ *Мирзо Улуғбек белидаги сербар камарига осилган калитни олиб, эшикнинг қулфини жаранглатиб очди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси. *У ёш йигитлардек чаққон, серҳаракат, сочида битта ҳам оқи йўқ, белида сербар камар.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам. *Улар сербар йўлакдан ўтиб бориб.. тахта сўрига чиқиб ўтиришди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

СЕРБАРАКА Баракаси кўп, жуда баракали. *Сербарака меҳнат. Сербарака йил.* ▬ *Шоҳаншоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимизга ошиқ бўлган.. Шу сербарака юртим унга керак бўлиб қолган.* М. Осим, Тўмарис. *Ажиб сербарака бўлиб келди куз..* А. Ҳамдам.

СЕРБАРГ Барги кўп, барги қалин; қуюқ, зич баргли. *Қўриқ ва бўз ерларда яратилган боғнинг ниҳоллари сербарг ва серновда бўлса ҳам, таналари ёш ва ингичка эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

СЕРБЕЗАК Безаги, ҳашами кўп; серҳашам. *Баланд, сербезак шифтда, олтин суви югуртирилган кучли занжирда каттакон*

қандил ҳисобсиз чироқлари билан гавҳардай товланиб турар эди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

СЕРБЛАР Сербия ва Черногориянинг серб-хорват тилида сўзлашадиган асосий аҳолиси. *Серблар 12-асрда халқ сифатида шаклланган.* «ЎзМЭ».

СЕРБОЛА Бола-чақаси кўп; серфарзанд. *Уй бекаси бомбадан қулоғи хийла кар бўлган, юм-юмалоқ, сергап, сербола аёл эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Шу сербола, серхона, серғавғо уйнинг нимасидир кўнглимга ором беради.* А. Мухтор, Чинор.

СЕРБОШОҚ Бошоғи кўп; кўп бошоқ чиқарадиган. *Сербошоқ буғдой.*

СЕРБУРМА Бурмаси кўп, кўп бурмали. *Сербурма юбка. Сербурма кўйлак.*

СЕРБУТОҚ Бутоғи кўп, бутоқлаб кетган. *Сербутоқ шох.* ▬ *У эмаклаб, сербутоқ қора қайин тагига борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СЕРБЎЁҚ 1 Бўёғи кўп, бўёқдор; қалин бўёқли. *Сербўёқ расм.*

2 *кўчма* Кўп бўёқ берилган. *Жажжи қизча эдим, ҳавасларга бой, Сирли кўринарди сербўёқ олам.* М. Эгамбердиева, Гулбарг.

СЕРВАНТ [*фр.* servante] Идиш-товоқ, сочиқ, дастурхон ва ш. к. қўйиладиган, юқори қисми ойнабанд шкаф, буфет. *Сервант полкаларига ажойиб чинни ва биллур идишлар тартиб билан жойлаштирилган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

СЕРВЕР [*ингл.* server] *тех.* Муайян дастурлар тўплами билан таъминланган ва умумкомпьютер тармоғида диспетчерлик, тақсимлаш ва бошқариш вазифаларини амалга оширувчи компьютер ёки компьютерлар гуруҳи.

СЕРВИЗ [*фр.* service – хизмат; идиш-товоқ тўплами] Маълум миқдордаги кишиларга мўлжалланган, бир хил бадиий безакли идиш-товоқ тўплами. *Қаҳва сервизи. Чой сервизи.* ▬ *[Карима] Диван устида чордана қуриб ўтириб, буфетдаги нодир сервизларни томоша қила бошлади.* С. Абдуқаҳҳор, Уй остонадан бошланади.

СЕРВИС [*ингл.* service – хизмат] Кундалик турмушнинг хилма-хил соҳаларида – магазин, меҳмонхона, сартарошхона, ёнилғи қуйиш шохобчалари ва ш.к. да аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шундай хизматнинг ўзи. *Шуниси қувонарлики, эндиликда ўқув даргоҳимиз хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш методологиясини шакллантирувчи муассасага айланди.* Газетадан.

СЕРВИТАМИН [сер.. + витамин] Витаминларга бой, витамини кўп. *Сервитамин озиқ-овқатлар.* ▬ *Ғўзапоядан сервитамин озуқа ачитқилари, фурфурол тайёрлаш мумкин.* Газетадан.

СЕРВИҚОР Ғоят виқорли; кўркам, салобатли. *Сервиқор қоя. Сервиқор тоғлар.* ▬ *Ҳовлиларга кираверишдаги катта ва сервиқор дарвозаларни айтмайсизми.* Мирмуҳсин, Умид. *Ўнгда баҳайбат ва сервиқор Бобошота чўққиси кўзга ташланади.* Газетадан.

СЕРГАК 1 Тез, дарҳол сезадиган; сезгир, зийрак. *Сергак соқчи. Сергак бўлмоқ. Сергак тортмоқ.* ▬ *Кийикдек сергагу хушёр чавандоз Қадам қўйганда тоғлар қилган овоз.* Ҳабибий. *Малоҳат ҳам сергак ўтирар, икки қулоғи мунозарада эди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Тез фаҳмлайдиган; зеҳни ўткир; фаросатли. *Сергак ўқувчи.* ▬ *Кўнгил қўйган йигитинг сергак бўла қолса, дилингдагини тушуниб, гапингга монанд жавоб қилса..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Уйғоқ; ухлаган эмас. *Маҳкам ёнига ағдарилиб ётди ва кўзини юмди. Лекин бутун вужуди сергак эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *-Дарҳол дарвозалар яқинидаги маҳаллаларга хабар қил, ухламасинлар, сергак бўлиб турсинлар! – деди Темиртош.* «Ёшлик».

СЕРГАКЛАНМОҚ 1 Ҳушёр тортмоқ, зийрак, сергак бўлмоқ. *Дам қаттиқроқ, дам сустроқ эшитилаётган шовқиндан бировлар ваҳимага тушди, бировлар ҳайрон бўлди, бировлар сергакланди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳушига келмоқ (кайф, уйқу, қўрқувдан кейин). *Меҳмонларнинг мастликлари, кайфлари бирдан тарқалган, улар бир онда сергакланган эдилар.* Ойбек, Улуғ йўл.

СЕРГАКЛИК Сергак, зийрак бўлиш хусусияти. *Унда талант билан бирга интилиш, ҳаракат ва сергаклик бор.* F. Fулом, Талант ва маҳорат. *Тўлқинжон Ҳурининг сўзларини зўр диққат ва сергаклик билан тинглади.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

СЕРГАП 1 Кўп гапирадиган, эзма. *Сергап чол.* ▬ *Корфармо Аҳмад Чалабий қирқ ёшларга борган, йўғон, қаншари паст, кўзлари ўйнаб турадиган сергап одам.* Мир-

муҳсин, Меъмор. *Қизиқ, шундай камгап одам билан сергап, эзма Сабоҳат хола қандай қилиб қирқ йилдан ортиқ бирга турмуш қилишган?* Ю. Шомансур, Қора марварид.

2 *салб.* Қуруқ гап, сафсата сотишни яхши кўрадиган, гап чайнайдиган; доим жавраб юрадиган, вайсақи. *Бизда ҳам сергап, қуруқ маслаҳат берадиганлар жуда кўп, лекин амалда ҳеч балода йўқ.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

СЕРГАПЛИК Сергап, эзма хусусиятга эгалик. *Мансурийнинг тутуриқсизлигида, сергаплигида ва мақтанчоқлигида унинг характери яхши гавдалантирилган.* «ЎТА».

СЕРГУЛ 1 Гули кўп, ғуж-ғуж гуллаган. *Дарҳақиқат, ўрик бу йил мисли кўрилмаган даражада сергул бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Гули кўп, кўп гул, нақш солинган (босилган) ёки тикилган. *Сергул чит.* ▬ *Саломатхон эса белигача тушиб турган сочларини сергул қийиқча билан боғлаб қўйибди.* С. Қодиров, Қанотлар.

СЕРГЎШТ 1 Этли, семиз, йўғон. *Сергўшт юзлари йилтиллаб турган раис аллақандай қоғозларга имзо чекиш билан овора эди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Холтой эса қора терга ботиб, бўкиб ўтирар, жиққа ҳўл бўлган кўйлаги сергўшт танасига ёпишиб кетган эди.* М. Хайруллаев, Алёр.

2 Серэт, этли. *Сергўшт ўрик. Сергўшт шафтоли.*

3 Гўшти мўл, кўп гўшт солинган. *Сергўшт шўрва.* ▬ *Сергўшт буғдой шавласининг хушбўй ҳиди анқиб, одамнинг димоғига урарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

СЕРДАВЛАТ Давлати жуда кўп; бой. *Сердавлат киши.* ▬ *-Эсим қурсин, айтмабман, худоё серфарзанд, сердавлат бўлинг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СЕРДАРАХТ Дарахти кўп, кўп дарахт экилган. *Сердарахт ҳовли.* ▬ *Озода ишдан чиқиб, трамвайга ўтирмай, янги барг ёзган сердарахт, гавжум кўчадан уйига қайтди.* С. Аҳмад, Алла. *Сойнинг ўнг бетидаги сердарахт маҳаллада Мавлоно Фазлиддин бултурдан бери истиқомат қилаётган пешайвонли мўъжаз бир уй бор.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

СЕРДАРОМАД Даромади кўп, кўп даромад келтирадиган. *Сердаромад иш.* ▬ *[Али мешкобчи] Ўз наздида мешкобчилик сердаромад бўлганлиги учун шу ишни қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕРДАХМАЗА Дахмазаси, ташвиши кўп; серташвиш. *Сердахмаза иш.* ▬ *Тўйга айтиш жуда қизиқ, аммо айни пайтда жуда сердахмаза юмуш экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

СЕРДИҚҚАТ 1 Кўп диққат қиладиган; юракни сиқувчи. *Сердиққат иш.* ▬ *Каштага гул тикиш сердиққат, сабр талаб қиладиган ҳунарлардан ҳисобланади.* «Саодат».

2 Ишга жиддий қарайдиган, жуда эътиборли. *Ҳунармандлар ўртасида ажойиб истеъдодли, сердиққат, серзавқ одамлар жуда кўп.* Ойбек, Навоий.

СЕРЕНАДА [*фр.* serenade < *итал.* serenata – оқшомги қўшиқ < sera – оқшом, кеча] **1** Ўрта асрларда Италия ва Испанияда маъшуқа шарафига, одатда маъшуқа эшиги ёки деразаси ортида туриб, торли мусиқа асбоби жўрлигида айтилган қўшиқ.

2 Чолғу ансамбли учун ёзилган, сюитага ўхшаш мусиқа асари. *Операда қаҳрамонни тасвирлаш учун.. қўшиқ, романс, серенада ҳам киритилади.* Газетадан.

3 *кўчма* Умуман, аниқ бир шахсга бўлган меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи ҳар қандай мусиқий асар.

СЕРЁМҒИР Ёмғир кўп ёққан ёки ёмғир кўп ёғадиган. *Серёмғир ерлар. Серёмғир куз.* ▬ *Кўклам серёмғир келиб, мардикор бозорда ишнинг мазаси бўлмади.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

СЕРЁҒ 1 Ёғи, мойи кўп; кўп ёғ, мой берадиган. *Серёғ гўшт. Серёғ кунжут.*

2 Жуда кўп ёғ солинган; ҳаддан ташқари ёғли. *Серёғ ош. Серёғ манти.* ▬ *Девзира гуруч, зираворлар ҳиди ҳар ёнга уфурган, сергўшту серёғ ош келдики, кимдир бояги завқли хитоблардан уялган бўлиб, секин уҳ тортди.* М. М. Дўст, Лолазор.

СЕРЁҒИН Ёғингарчилик кўп бўладиган, қор-ёмғир кўп ёғадиган. *Серёғин кун.* ▬ *Деҳқон баҳорга кўз тикди. Аммо кўклам серёғин келди.* С. Сиёев, Аваз. *Баҳор кези бу ерлар серёғин бўлади, тоғ ва қирларга тушган ёмғир суви жилғаларни тўлғазиб, шу қишлоққа томон оқади.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

СЕРЖАНЖАЛ 1 Жанжал кўп бўлиб турадиган, жанжалли. *Сержанжал уйда барака йўқ.* Мақол.

2 Жанжалкаш; бўлар-бўлмасга жанжал қилаверадиган. *Сержанжал хотин.*

СЕРЖАНТ [*фр.* sergent < *лот.* serviens – хизматчи] Милиция, полиция ва армияда кичик командирларга бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Кичик сержант.* ▬ *Мен билан ёнма-ён бир сержант ҳам отишиб туриб эди, бирдан унинг пулемёти тўхтаб қолди.* Ойдин, Ҳикоялар.

СЕРЖАҲЛ Салга жаҳли чиқаверадиган, жаҳли тез; жаҳлдор. *Сержаҳл одам.* ▬ *Биринчи қарашда у одам ғоят жиддий, ҳатто бирмунча сержаҳл кўринарди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *Мунис тенгқурларига ўхшамасди: жуда эрка эди, сержаҳл эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

СЕРЖИЛВА 1 Ранг-баранг тусда товланиб, жилваланиб турадиган, ғоят жилвали. *Сержилва атлас.* ▬ *Қўриқчи чол чайла томида милтиқни қучоқлаганча, сержилва юлдузли осмонга тикилиб, хаёл суриб ётарди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 *кўчма* Ранг-баранг оҳангда товланувчи, жилвали, ўйноқи. *Ўзбек мусиқаси мутлақо ўзига хос, оҳангдор, сержилва, ўйноқи мусиқадир.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 *айн.* **серишва.**

СЕРЖИЛО *айн.* **сержилва 1, 2.** *Тилла дейилганда, сержило ипак, ранг-баранг шоҳи атласлар, хушбичим кийим-кечаклар кўз олдимизга келади.* Газетадан. *Сержило оҳанглар унинг [қизнинг] хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетди.* «Ёшлик».

СЕРЖУН 1 Жуни кўп, кўп жун берадиган. *Сержун қўйлар.*

2 Жуни кўп, жун босган. *Икки тиззасига сержун билакларини қўйиб.. ўй сураётган кекса киши – уста Замон эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Кўпроқ жун қўшиб тўқилган. *Сержун газлама.*

СЕРЗАВҚ 1 Кишига катта завқ бағишлайдиган; ғоят завқли. *Серзавқ мусиқа.* ▬ *Ишчи хонадонида ноёб танбурнинг серзавқ машқи анчагача жаранглаб турди.* Мирмуҳсин, Созанда.

2 Нарса, ҳодисалардан катта завқ олувчи; ғоят завқли. *Серзавқ шинаванда.* ▬ *Қирқта жўраси бор. Ҳаммаси серзавқ, юраги ўтли одамлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕРЗАРДА Ҳадеб зарда қилаверадиган, зардаси, жаҳли тез. *Серзарда одам.* ▬ *Маъсуманинг эри димоғидан эшак қурт ёғадиган, серзарда бойвачча эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Раис серзарда, одамларни жеркиб ташлайди, дейишади, тўғрими?* Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

СЕРИАЛ [*ингл.* serial < *лот.* series – қатор] Кўп серияли, кўп қисмли давомли фильм (кўпинча унча талабчан бўлмаган томошабинларга мўлжалланади, шунинг учун бадиий жиҳати пастроқ бўлади). *Мана шу сериални кўряпсизларми, деган саволга эркагу аёл, ёшу қари бараварига ҳа, деб жавоб беришди.* «Саодат».

СЕРИЛДИЗ 1 Илдизи жуда кўп; илдиз отиб, тармоқланиб кетган. *Серилдиз дарахт. Серилдиз бута.*

2 Илдиз босган. *Серилдиз қирғоқ.* ▬ *Полковникнинг самимий мақтовидан жангчилар бир-бирларига қараб кулиб қўйишди ва серилдиз ерни тағин ҳам ғайрат билан қўпора бошлашди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

СЕРИШВА 1 Жуда ишвали, ноз-ишва қилаверадиган. *Серишва аёл.* ▬ *Маҳбубанинг ширин мақоли яхши, Ҳам серишва қоши-ҳилоли яхши.* П. Маҳмуд, Рубоийлар.

2 *кўчма* Мафтун этадиган, ўзига тортадиган. *Ғазал ҳам бўлурми мунча дилрабо, Бунчалар серишва, бунчалар серноз.* Э. Воҳидов.

СЕРИЯ [*лот.* series – қатор] **1** Бир хил, ўхшаш ёки умумий белги, хусусиятлари жиҳатидан ўзаро узвий боғлиқ бўлган нарсалар гуруҳи (китоб, брошюра ва ш.к.). *Илмий-оммабоп адабиётлар серияси. Телевизорларнинг янги серияси.* ▬ *Сўнгги пайтда ҳар йили турли адабий сериялар ташкил этилмоқда.* Газетадан.

2 Қимматбаҳо қоғозлар, ҳужжатлар ва ш. к. нинг ҳарф ёки рақамлар билан гуруҳланиб белгиланган разряди, категорияси. *Облигация серияси. Паспорт серияси.*

3 Давомли кинофильмларнинг ҳар бир мустақил бўлаги. *Кинофильмнинг иккинчи серияси.*

СЕРИЯЛАБ *рвш* Серияларга бўлиб, серия-серия қилиб. *Машиналарни сериялаб ишлаб чиқармоқ.*

СЕРИЯЛИ Серияларга бўлинган, сериялаб чиқариладиган. *Серияли маҳсулот. Уч серияли кинофильм.* ▬ *Дилрабо ҳинд рақслари уларни сеҳрлаб олди. Икки серияли кино-*

фильм қандай ўтиб кетганини пайқамай қолишибди. Мирмуҳсин, Умид.

СЕРКА Бичилган эркак эчки, ахта така. *Той отга эргашар, қўй — серкага.* Мақол. ▬ *Қўрққанидан кўзлари олайиб кетган кўк серка жар ёқасига етиб бориб.. соқолини селкиллатганича, таққа тўхтади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Адир устида чўпонларнинг ити, шохдор серка кўринди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

СЕРКЕПАК Кепаги кўп, кепаги меъёридан ортиқ. *Серкепак ун.*

СЕРКИПРИК Киприги кўп, қуюқ. *Салтанат катта, серкиприк кўзлари билан юзимга бир қаради-да, яна бошини эгди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

СЕРКЎСАК Кўсаги зич; кўп кўсак туккан. *Серкўсак ғўза.*

СЕРМАЗМУН Мазмунан бой, чуқур мазмунли. *Сермазмун маъруза. Сермазмун асар. Сермазмун мақола.* ▬ *Ўзини пахта устаси деб юрган баъзи кишилар Саодатнинг сермазмун лекциясини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдилар.* Ж. Шарипов, Саодат. *Ҳаётимиз тобора сермазмун, ширин, фароғатли бўлиб бормоқда.* Газетадан.

СЕРМАМОҚ *шв.* Силкитмоқ; силтамоқ; зарб билан силтамоқ. *Дўнглик устида атлас кўйлак кийган Зулайҳо турар ва бизга оқ рўмолча сермаб, кимнидир чорлар эди.* П. Қодиров, Қадрим. *Ферузанинг кўзларида ўт чақнади, қўлини қиличдай сермаб, устунни кўрсатди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

СЕРМАШАҚҚАТ Машаққати кўп, жуда машаққатли. *Сермашаққат иш.* ▬ *Чорвадорнинг меҳнати оғир ва сермашаққат.* Газетадан. *-Чигит экиш бултурги йили шунақа сермашаққат бўлди, — дея суҳбатни давом эттирарди раис.* «Шарқ юлдузи».

СЕРМАЪНО Мазмун жиҳатдан бой, чуқур маъноли. *Сермаъно гап. Сермаъно ибора.* ▬ *Эҳсон ундан [Саидийдан] чиройли, сермаъно хат кутади, чунки у, Саидийга бўлажак шоир, деб қарар зди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

СЕРМАҲСУЛ Маҳсули кўп, кўп маҳсул берадиган. *Сермаҳсул мол. Сермаҳсул тармоқ. Сермаҳсул ижодкор.*

СЕРМЕВА 1 Меваси кўп, кўп мева берадиган. *Зайтун дарахтининг бўйи 4—5 метрча бўлиб, у жуда сершох, сермева бўлади.* Газетадан.

2 Мева дарахти кўп, мева дарахтига бой. *Сермева боғ.*

СЕРМЕҲМОН Уйидан меҳмон аримайдиган, меҳмондўст. *Сермеҳмон хонадон. Сермеҳмон халқ.*

СЕРМЕҲНАТ Кўп меҳнат талаб қиладиган; меҳнати кўп. *Сермеҳнат экин.* ▬ *-Чорва иши, ўғлим, жуда сермеҳнат иш, — деди Абдураззоқ ота.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *Қурт боқиш жуда нозик ва сермеҳнат ишдир.* Газетадан.

СЕРМОЙ *айн.* **серёғ.** *Сермой кунжут. Сермой ош.* ▬ *Нусратбек болишига ёнбошлаб, катта сопол товоқдаги сермой чалобдан ичди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СЕРМОЛ 1 Моли, мол-дунёси, сепи кўп. *Сермол қиз.*

2 Моли, товари кўп. *Тишдан қараганда эски, кўримсиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Чорваси, чорва моли кўп. *Сермол ферма.*

СЕРМУЛОЗАМАТ Мулозаматни, такаллуфни ўрнига қўядиган; ғоят мулозаматли. *Сермулозамат одам.* ▬ *Ўша пайтлардаёқ Маъсумаларнинг эшигини сермулозамат, чаққон, гапдон кампирлар — совчилар черта бошлаган эди.* «Шарқ юлдузи». *Аҳмад сермулозамат, узундан-узоқ хайрлашишни ёқтирмасди, сабр билан илтифотларнинг тугашини кутди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қандайдир сермулозамат йигитлар келиб, Очил бува билан саломлашишди.* А. Мухтор, Чинор.

СЕРМЎЙ *айн.* **сержун 1.** *Ибн Яминнинг уйи ташқарисида тўпланган тўда ҳамон тарқалмаган, ҳалиги девона жазавага тушиб, сермўй кўкрагига муштлаб, оғзидан кўпик сочарди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Тукли, сертук (гилам, газмол ва ш. к. ҳақида). *Сермўй гилам.*

СЕРНАМ 1 Нами жуда кўп; жуда нам. *Сернам пахта.*

2 Ғоят нам, зах. *Буғдой қанчалик сернам ерга экилса, ҳосил шунчалик мўл бўлади.* «Шарқ юлдузи».

3 Нам, рутубатли. *Ҳавонинг иссиқ ёки салқин келиши, қуруқ ёки сернам бўлишига қараб экин экиш муддатлари ҳам ўзгаради.* Газетадан.

СЕРНАСЛ Насли кўп, кўп насл қолдирган ёки қолдирадиган; кўп туғадиган; серпушт. *Сернасл мол.*

СЕРНАҚШ Кўп нақш солинган ёки ўйиб чизилган; жуда кўп нақшли. *Меҳмон сернақш дарвоза олдига етиб келгач, мис ҳалқани тақиллатди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Кўркам, сернақш чолғу созандага илҳом, эҳтирос бахш этишини яхши тушунади уста.* «Гулистон».

СЕРНОЗ Нози, кўп; ноз-карашма қилишни яхши кўрадиган. *Серноз раққоса.*

СЕРОБ [*ф.* سیراب — намга, сувга тўйинган; суғорилган, чанқоғини қондирган] Етарли даражада кўп, мўл-кўл. *Бизда ҳамма нарса сероб.* ▬ *Зап ўрик экан-да. Канал битиб, сув сероб бўлиб, боғ-роғ қилганимизда, албатта, шунинг данагидан экамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Чўлда энг сероб гиёҳ бўлган шувоқ майда кулранг баргларини титратиб, шамолда зўр бериб силкинади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СЕРОБГАРЛИК *айн.* **серобгарчилик.**

СЕРОБГАРЧИЛИК Ҳамма нарса етарли бўлган пайт, мўлчилик; мўл-кўлчилик; маъмурчилик, фаровонлик. *Ҳамма ёқ серобгарчилик бўлиб қолди. Серобгарчиликда яшамоқ.*

СЕРОБЛИК 1 Сероб, мўл-кўл бўлишлик. *Она шаҳримизнинг гуллаб-яшнаб туришининг боиси сувимизнинг сероблигидандир.* Газетадан. *Бозорда мева сероблигидан ҳеч қаёққа сиғмайди.* Газетадан.

2 *айн.* **серобгарчилик.** *Бир ёқда — ташналик, сўлғинлик, иккинчи ёқда — сероблик, гулгунлик! Бир-биридан мадад ололмайди, бири-бирига ёрдам қилолмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шалоладек булутинг оппоқ, Ёғдиради сероблик ва қут.* Ю. Шомансур.

СЕРОБЧИЛИК *айн.* **серобгарчилик.** *Баркашларда тўлиб-тошиб тортилиб нонлар, Фаровонлик, серобчилик, ҳар уйда байрам.* Ҳабибий.

СЕРОҲАНГ Оҳанг жиҳатдан бой; рангбаранг оҳангли. *Сероҳанг куй. Сероҳанг овоз.* ▬ *«Тинчлик» сўзи.. Бу — ёқимли, сероҳанг бир сўз, Ҳаёт — булоқ, тинчлик — унга кўз.* М. Шайхзода.

СЕРПАМОҚ *шв.* Зарб билан урмоқ, солмоқ; силтамоқ. *Қилич билан серпаб ўтмоқ.*

СЕРПАНТИН [*фр.* serpentin < *лот.* serpens — илон] Бал, маскарад ёки карнавал қатнашчиларига ирғитиладиган, рангли қоғоздан ясалган узун илонсимон лента.

СЕРПАРДОЗ 1 Пардозга берилган; пардоз-андозни яхши кўрадиган. *Серпардоз хотин.* ▬ *Элмира жуда серпардоз бўлиб қолди.* С. Зуннунова.

2 Кўп пардоз берилган. *Серпардоз уй.*

СЕРПАХТА Пахтаси кўп, пахта кўп солинган. *Серпахта кўрпа. Серпахта чопон.* ▬ *Унинг [сандалнинг] бурчагида.. устига серпахта чопонини тортиб Хўжаназарбой ётмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

СЕРПЕНТАРИЙ [*лот.* seprens, serpentis — илон] Тирик ҳолатда заҳар олиш учун заҳарли илонлар боқиладиган, парвариш қилинадиган жой, илонхона.

СЕРПИЁЗ Пиёзи жуда кўп, кўп пиёз солинган. *Серпиёз сомса.* ▬ *Столда ширинликлардан кўра серпиёз шакароб, шўртанг бодринг бор эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

СЕРПУЛ Пулдор; пули кўп. *Серпул одам.* ▬ *Зокировнинг касби-кори нотайин, аммо серпул.* М. Жўра, Изтироб. *[Хотин:] Иккита анор учун хотинингизни серпул одамга оширгани уялинг!* А. Қаҳҳор, Анор.

СЕРПУШТ [*ф.* سیرپشت — кўп наслли] Сернасл; кўп бола туғадиган; кўп тухум берадиган; тез урчийдиган. ▬ *Ўргимчаккана жуда серпушт бўлади.* Газетадан.

СЕРПУШТЛИК *биол.* Ҳайвонларнинг табиий ўлим ўрнини қоплаш учун зарур бўлган пушт қолдириш хусусияти. *Серпуштликни ошириш чорвачиликда катта аҳамиятга эга.* «ЎзМЭ».

СЕРРАЙМОҚ 1 Бир жойда анграйиб, ҳаракатсиз турмоқ. *Серрайиб турмоқ.* ▬ *Низомжон нима қилишини билмай, серрайиб туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қиз даҳшат аралаш серрайиб қотиб қолди.* У. Назаров, Одамлар.

2 *салб.* Бирор иш қилмасдан, анграйиб ёки неккайиб турмоқ. -*Нимага серрайиб турибсан? Бу ёққа кел, чурвақа! — деб қичқирди мингбоши болага қараб.* М. Исмоилий Фарғона т. о.

СЕРСАВЛАТ Ғоят савлатли, жуда басавлат. *Лаганлар бўшаётганда, эшикдан серсавлат бир қора одам кириб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Супага келиб ёнбошлаган эллик ёшлар чамаси бу аёл анча серсавлат, ёшлигида ҳусндор бўлгани билиниб турарди.* У. Исмоилов, Сайланма.

СЕРСОЯ 1 Кўп соя берадиган; сояси кўп. *Серсоя сада.* ▬ *Дарахт кам бўлса-да, лекин қуюқ, серсоя.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Жуда соя, салқин. *Салкам миллион туп дарахти бор Тошкентда нима кўп, серсоя кўчалар, жойлар кўп.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СЕРСОҚОЛ Соқоли узун ва қалин, соқоли кўп; соқоли ўсиб кетган. *Серсоқол чол.* ▬ *Меъмор аравадан тушганидан сўнг, бу томонга келаётган серсоқол Чўли бобо қаршисига чиқиб, у билан эски танишлардек қўл беришиб омонлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕРСУВ 1 Суви кўп, суви мўл, тўла. *Серсув кўллар.* ▬ *Болалик хотиралари билан алоқадор бу дарёчани у серсув, тубсиз наҳрларга алишмайди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Сувли; ширадор; сершарбат. *Серсув шафтоли. Серсув турп.* ▬ *Пахтасеб – олманинг бир тури. Кичкина, сарғиш бўлади. Лекин жуда мазали, серсув.* Ш. Холмирзаев, Олма емадим.

СЕРСУТ Кўп сут берадиган, сути кўп. *Серсут сигир.* ▬ *Отам сигирнинг серсут ёки камсутлигини маърашидан билар эдилар..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

СЕРСУЯК Суяги кўп. *Серсуяк гўшт.* ▬ *Сўнагул мени ёш боладай йиғлатиб, кичкинагина, серсуяк мушти билан кўз ёшларимни артиб кетди.* А. Мухтор, Асарлар.

СЕРТАВОЗЕ Ғоят тавозели; сертаъзим. *Сертавозе одам.* ▬ *[Тўламат] Каттаю кичикни баравар «ако» дейдиган сертавозе бу йигитдан қандай гап чиқаркин, деб кутиб турди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳозир у [Ирода] нимаси биландир қадимий эртаклардаги сертавозе канизакларни эслатиб юборди Аҳмадга.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

СЕРТАКАЛЛУФ *айн.* **сермулозамат**. *Сертакаллуф одам. Сертакаллуф бўлмоқ.* ▬ *Чўққи соқолли бу одам ғоят сертакаллуф.. эди.* Т. Малик, Иблис девори. *Бу мулойим, сертакаллуф аёлга рўпара келган ҳар қанақа тошюрак ҳам юмшайди.* С. Анорбоев. Оқсой.

СЕРТАРМОҚ 1 Тармоқланган; ён-атрофга қараб ўсган. *Бодом илдизи сертармоқ бўлгани сабабли тупроқ эрозиясига қаршилик қилади.* «Фан ва турмуш»

2 Тармоқлари, соҳалари кўп ва хилма-хил. *Сертармоқ соҳа.* ▬ *Ҳозир фанлар жуда чуқурлашиб, сертармоқ бўлиб кетган.* С. Нуров, Нарвон.

СЕРТАШВИШ 1 Ташвиши кўп; ғоят ташвишли, серхархаша. *Серташвиш иш. Серташвиш жой.* ▬ *Серташвиш асрда дунёга келдинг..* Э. Воҳидов.

2 Ғам-ташвиши кўп, тиниб-тинчимас. *Серташвиш одам.* ▬ *Бирам серташвиш, бирам серташвишсанки, болагинам!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Соддагина чодирда ёлғиз яшаган Навоий дилгир, серташвиш эди.* Ойбек, Навоий.

3 Ташвиш ифодалайдиган; ташвишли. *Диломнинг серташвиш кўзлари бир зумда чақнаб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Азмиддин Талъатбейнинг серташвиш юзига.. совуқ кўзларига қараб, ўйга толди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

СЕРТАЪЗИМ *айн.* **сертавозе.** *Сертаъзим одам. Сертаъзим бўлмоқ.*

СЕРТИКАН Тикани жуда кўп. *Сертикан гул.* ▬ *Салқин, нам шамол тепалардаги кактус дарахтларининг сертикан шохларини секин чайқатади.* И. Раҳим, Тақдир.

СЕРТИФИКАТ [*фр.* certificat < *лот.* sertum – аниқ, тўғри, рост + facere – қилмоқ] **1** Давлат органларининг молиявий қарз (заём) мажбурияти; шунингдек, кўрсатувчига бериладиган давлат заёмлари облигациялари ва қимматдор банк қоғозлари.

2 Омонатчининг, белгиланган муддат ўтгач, банкка қўйилган омонат суммасини ҳамда унинг фоизларини олиш ҳуқуқи ҳақидаги ёзма ҳужжат.

3 Ташқи савдо амалиётида: тегишли ваколатли органлар томонидан бериладиган ва товарнинг сифати, оғирлиги, ишлаб чиқарилган жойи ва б. хусусиятларини тасдиқлайдиган ҳужжат. *Маҳсулот сертификати.*

4 Бирор нарса, воқеа ҳақидаги расмий ёзма гувоҳнома; диплом. *Шайхонтоҳур туманида компьютер саводхонлиги бўйича ташкил этилган курсни якунлаган ёшларга сертификатлар топширилди.* Газетадан.

СЕРТИФИКАТЛАШ Бирон-бир маҳсулот ёки хизмат сифат тавсифининг сифат стандартида талаб этилган даражага мос келишини аниқлаш, тасдиқлаш. *Бугунги кунда маҳсулот ва хизматларни сертификатлашда республикамизда фаолият юритаётган 50 дан ортиқ сертификатлаш идоралари ва 250 дан ортиқ синов лабораторияларининг аҳамияти муҳим.* Газетадан.

СЕРТОМИР 1 Томири жуда кўп. *Сертомир гўшт.*

2 Томирлари бўртиб чиққан. *Ойим қирқ беш ёшлардаги.. қотма аёл бўлиб, қўллари эркакларникига ўхшаш йўғон, гўштдор ва сертомир эди.* Ў. Ҳакимали, Навбаҳор.

СЕРТОМОҚ Овқатхўр; овқатни кўп ейдиган. *Сертомоқ одам. Сертомоқ мол.*

СЕРТУК 1 Туки кўп, ҳурпайган, пати қалин (гилам, мато, рўмол, шунингдек, айрим мевалар ҳақида). *Боғ кўчалардан аста ўтиб борардик, оёқ остида билқ-билқ иссиқ тупроқ, ўркачли пахса деворлардан сертук олтин шафтолилар осилиб ётарди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Тукли, жун босган. *Алиохун ўрнидан туриб, кенг, сертук кўкрагини қавартиб керишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕРТУПРОҚ 1 Тупроғи кўп, тупроқ босган. *Даладан қайтган моллар шовқин-сурон билан катта сертупроқ кўчани чангитиб келмоқда.* С. Аҳмад, Муҳаббат.

СЕРТУХУМ 1 Кўп тухум солинган; тухуми кўп. *Сертухум хамир. Сертухум қуймоқ.*

2 Кўп тухум қиладиган; серпушт. *Сертухум товуқ.*

СЕРУЙҚУ Кўп ухлайдиган, ҳадеб ухлайверадиган, уйқудан бош кўтармайдиган. *Серуйқу одам.*

СЕРУНУМ 1 Яхши унум, маҳсул берадиган. *Серунум иш.*

2 *айн.* **серҳосил**. *Серунум ер.* ▬ *Серунум меҳнат уларни тўқ турмушга қараб етаклар эди.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

СЕРУРУҒ 1 *айн.* **серпушт.**

2 Уруғи кўп. *Серуруғ тарвуз.*

3 *кўчма* Қариндош-уруғи жуда кўп. *Серуруғ одам.* ▬ *Ҳурматли кишилардан бири омонатини топширибди-да. Ўзиям жа серуруғ эканми? Одамларнинг кўплигини қаранг.* Т. Ашуров, Марварид тут.

СЕРФАЙЗ Ғоят файзли, кўркам, кўзни қувонтирадиган. *Серфайз боғ. Серфайз ҳовли. Серфайз кўча. Серфайз тўй.* ▬ *Улар серфайз ҳовлига кириб келганларида, эндигина тонг ота бошлаган эди.* «Ёшлик».

СЕРФАРЗАНД Фарзанди, боласи кўп. *Серфарзанд она.* ▬ *- Боқижон бўлса, ҳамма ака-укаларига қараганда серфарзанд. У етти фарзанднинг отаси.* Н. Сафаров, Оловли излар.

СЕРФАҲМ Фаҳм-фаросатли; зийрак; ақли ўткир. *Рустам эси кириб қолган, китоб ўқиб, ҳар гапнинг маънисига тушунадиган, серфаҳм, ўйли, ақлли йигит эди.* «Муродхон».

СЕРФИКР Кўп фикрлайдиган; оғир-вазмин. *Серфикр одам.* ▬ *[Ўзбек ойим:] Кумушнинг ўзингга ўхшаш серфикр кўринадир, Зайнаб бўлса менга ўхшаш қувноқ!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЕРХАРАЖАТ *айн.* **серхарж.** *Бир бойнинг икки ўғли бўлиб, каттаси маишатпараст, серхаражат, пулни ўринсиз сарф қиладиган экан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

СЕРХАРЖ Чиқимдор, кўп харажат қиладиган, кўп пул сарф қиладиган. *Серхарж одам.*

СЕРХАРХАША 1 Ҳадеб хархаша қилаверадиган, жуда инжиқ; эркатой. *Серхархаша бола.* ▬ *Айниқса, Мавлон аканинг «тўрва қоқдиси» – икки яшар Нишонтой жуда серхархаша бола.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Инжиқ; нозиктабиат; ҳеч нарса ёқмайдиган. *Серхархаша аёл.* ▬ *Йўлга чиққандан бошлаб камгап, хомуш бўлиб қолган Ғаввос Андхудан чиқиб, қум ичига киргач, серхархаша, гап ёқмайдиган бўлиб қолган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕРХОСИЯТ Хосияти, фойдаси кўп. *Серхосият ўсимлик.* ▬ *Она сути чиндан ҳам серхосият.* «Фан ва турмуш».

СЕРЧИҚИМ 1 Чиқими, харажати кўп; маблағни кўп талаб қиладиган. *Серчиқим иш.* ▬ *Ҳозирча қўлда бажарилаётган бу ҳар иккала ишнинг серчиқим эканлигини шундан ҳам билиб олаверинг..* Газетадан.

2 *айн.* **серхарж.** *Серчиқим одам.*

СЕРЧИҚИТ Серчиқинди, кўп қисми чиқитга чиқиб кетадиган. *Серчиқит хомашё. Серчиқит дон.*

СЕРШАРБАТ *айн.* **серширa**. *Шафтолининг сершарбат этлари ёзнинг иссиқ кунларида «чанқоқ босди» бўлади, десерт сифатида ишлатилади.* К. Маҳмудов, Мевалар.

СЕРШИРА Жуда ширин; ширадор. *Сершира қовун. Сершира анжир.* ▬ *Венгер мускати сершира ва хушбўй бўлиб, ўзига хос ҳиди ва мазаси бор.* Р. Мусамуҳаммедов, Мўл узум ҳосили.

СЕРШОВҚИН 1 Шовқини кўп; шовқин-суронли. *Сершовқин кўча. Сершовқин цех.* ▬ *Маҳкам.. Сирдарё бўйидаги сершовқин, гавжум ишчилар шаҳарчасида кат-*

та бўлган эди. П. Қодиров, Уч илдиз. *Темиржон сершовқин, серқатнов йўлка бўйлаб бемақсад, беихтиёр борар экан, ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка уринарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Шовқин чиқарадиган, шовқин кўтарадиган. *Шиорлар ва гуллар билан безатилган катта зал сершовқин болаларга тўлиб кетди.* О. Ёқубов, Каптар.

СЕРШОНА Шонаси кўп, кўп шоналаган. *Сершона ғўза. Сувга қонган ғўзалар сершона бўлиб ўсади.*

СЕРШОХ Шохи кўп, қуюқ, зич; шохлаб кетган. *Сершох дарахт.* ▬ *Катта сершох ёнғоқ соясида ўнтача аёл узумларни тозалаб, яшикларга жойлашарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

СЕРЯМОҚ Ямоғи кўп, кўп ямоқ солинган. *Серямоқ чопон.* ▬ *[Алиохун] Дўпписига тўғналган игнани олди, қаердандир ип топиб, эски, серямоқ кўйлагининг йиртиғини ямашга ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕРЯПРОҚ *айн.* **сербарг.** *Серяпроқ дарахт.* ▬ *[Ғуломжон] Қўшни эшигини тўсиб турган серяпроқ, қалин шохлар орасига кириб, мингбоши ҳовлисига қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЕРЎТ Ўти кўп, ўти қалин, зич. *Серўт яйлов.* ▬ *Кенжа серўт жойларни қидириб, сурувни тоғ томонга ҳайдади.* «Олтин бешик».

СЕРҚАВИҚ Қавиғи кўп, ораси яқин қилиб зич қавилган. *Серқавиқ кўрпа.* ▬ *Қамчи.. серқавиқ бўз тўни устидан чандиб боғлаб олган қўш белбоғини.. ушлаганча жавоб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

СЕРҚАДОҚ Қадоғи кўп, ҳамма ёғи қадоқ, қадоқ босган. *Серқадоқ қўл.* ▬ *Ҳамроали серқадоқ кафтларини пешонасига соябон қилиб, ўша томонга тикилди-да, ўзича.. қичқирди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

СЕРҚАЙМОҚ Қаймоғи кўп, кўп қаймоқ берадиган. *Сигирлардан қишин-ёзин бирдек кўп, серқаймоқ сут соғиб олсак, етарли озуқа ғамлаб қўйсак, гўшт ҳам, сут ҳам, ёғ ҳам, жун ҳам кўпаяди.* Ҳ. Нурий, Яшил хирмон.

СЕРҚАТИҚ Қатиғи кўп, кўп қатиқ солинган. *Серқатиқ мастава.* ▬ *У серқатиқ гўжа ичиб, қорнини тўйғизиб олган бўлса-да, ошпаз Абдулматкарим пиширган овқатларга қараб, кўнгли суст кетарди.* М. Осим, Ўтрор.

СЕРҚАТНОВ 1 Транспорт ва йўловчилар кўп қатнайдиган. *Серқатнов кўча.* ▬ *Темиржон сершовқин, серқатнов йўлка бўйлаб бемақсад, беихтиёр борар экан, ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка уринарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Тез-тез келадиган; кунда-шунда. *Серқатнов меҳмон.* ▬ *Шундан сўнг Пошша хола бу ерга, яъни Йигиталининг уйига серқатнов бўлиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Алихон редакцияга.. айниқса сўнгги вақтларда анча серқатнов бўлиб қолган эди.* М. Хайруллаев, Ғурур.

СЕРҚИЛИҚ 1 Ножўя ёки келишмаган қилиқлари кўп, жуда қилиқдор. *Серқилиқ бола.*

2 *кўчма* Тез ўзгариб турадиган, инжиқ. *У узоқ Фарғона қишлоғининг серқилиқ табиатини болалигидан билгани учунми, буюқда қолгандай, эгнига брезент чакмон, бошига оқ намат қалпоқ кийган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

СЕРҚИЛТАНОҚ Қилтаноқли, қилтаноғи кўп. *Серқилтаноқ балиқ.*

СЕРҚИРРА 1 Қирраси кўп, қиррадор. *Серқирра стакан. Серқирра тош.* ▬ *Олмосдек серқирра, офтобда чўққилари ярқираб турган баланд қорли тоғлар кўзни қамаштирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Ҳар тарафлама, кенг; мазмунга бой, сермазмун. *Серқирра истеъдод. Серқирра олим.* ▬ *Шоир ижоди шунчалик серқирра, сербарака, сержилоки, ҳаммаси ҳақида бир мақолада айтиб ўтишга асло имкон йўқ.* «ЎТА». *Забардаст олим Тошмуҳаммад Ниёзович Қориниёзийнинг мураккаб ва серқирра ҳаёт йўли ҳаммамиз учун ҳайратомуз ва ибратлидир.* «Фан ва турмуш».

СЕРҚОШ Қоши қуюқ ва қалин. *Очил бува ўткир қора кўзли, серқош, чиройли йигит бўлган.* А. Мухтор, Чинор.

СЕРҚУЁШ Қуёш нури кўп тушадиган; қуёшли кунлари кўп. *Серқуёш ёз. Серқуёш Ўзбекистон.* ▬ *Шу кунларда серқуёш республикамиз далаларида иш қизғин.* Газетадан.

СЕРҚУМ 1 Қуми кўп, қум босган. *Серқум соҳил. Туби серқум дарё.*

2 Қум кўп солинган. *Серқум сувоқ.*

СЕРҒАЙРАТ Ғайрати кўп; жуда ҳам ғайратли. *Серғайрат бола.* ▬ *Бозорқул бундай пайтларда бош эгиб, хомуш ўтирарди, бугун эса серғайрат, жонсарак.* А. Мухтор, Чинор.

Галифе шими, брезент этиги, бутун қиёфаси унинг соғлом, ишчан, серғайрат одамлигини таъкидлар эди. С. Нуров, Нарвон.

СЕРҒАЛВА 1 Ғалваси, жанжал-сурони кўп; ғалвали. *Серғалва жой.* ▬ *Сайёра шу серғалва хонадонга келин бўлиб тушиб, нима ҳузур-ҳаловат кўрди?* Газетадан. *Одам яшар замон юкин орқалаб, Серғалвароқ кечасидан бугуни.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Кўп ғалва, жанжал қилаверадиган; жанжалкаш. *Серғалва одам.*

СЕРҲАРАКАТ 1 Доим ҳаракат қилиб турадиган, тиниб-тинчимас; тез ва чаққон ҳаракат қиладиган; ҳаракатчан. *Муқаддам сарғиш жингалак сочли, серҳаракат, хушчақчақ йигитни эслади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Нажмиддин Бухорий олтмиш ёшлардан ошган, паст бўйли, елкалари кенг, серҳаракат одам.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кўп ҳаракат талаб қиладиган. *Серҳаракат ўйинлар.*

СЕРҲАФСАЛА Ҳафсалали, ҳар бир ишни ҳафсала билан қиладиган, эринмайдиган. *Серҳафсала одам.* ▬ *Саидакбар ҳожи қутини очди-ю, кўзи тиниб кетди. Унда чиндан ҳам завқли, серҳафсала устанинг мўъжизакор санъати ўзининг бутун жозибасини намойиш қилиб турарди: бу олтин узук эди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

СЕРҲАШАМ Ҳашами кўп, ҳашамдор; жуда ҳам ҳашаматли. *Серҳашам бинолар.* ▬ *Улар кирган уй меҳмонхона бўлса керак. Ниҳоятда серҳашам эди.* С. Аҳмад, Пойқадам.

СЕРҲИКМАТ Ҳикматга бой. *Серҳикмат мақоллар.*

СЕРҲИММАТ Жуда ҳимматли, сахий. *Серҳиммат одам.*

СЕРҲОСИЛ Ҳосилдор, унумдор, кўп ҳосил берадиган, *Серҳосил ер. Серҳосил тупроқ.* ▬ *Ўзбекистон деганда, поёнсиз пахтазорлар билан бирга серҳосил мевазорлар, полизу яйловлар кўз олдимизга келади.* «Саодат».

СЕСАРКА [*р.* цесарка < caesar – цезарь: Қадимги Римда бой, таниқли уруғ номи]: **сесарка товуқ** Товуқлар туркумига мансуб, куркасимон хонаки парранда.

СЕСКАНМОҚ Ташқи таъсирдан чўчиб ёки бирор нарсадан жирканиб сапчиб тушмоқ. *Сесканиб кетмоқ.* ▬ *Тўйбека.. совуқ сув келтириб, Кумушнинг манглай ва кўксига сепган эди, сесканиб ўзига келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Зуҳрахон] Эти сесканиб, бундай қараса, катта-катта чумолилар оёғида ўрмалаб юрибди.* А. Муҳиддин, Куёв қочди.

СЕССИЯ [*лот.* sessio – мажлис, йиғилиш] **1** Иш, машғулоти даврий равишда амалга ошириладиган ваколатли органларнинг, суд ёки жамиятларнинг иш, йиғилиш ўтказадиган даври. *Қонунчилик палатасининг навбатдаги сессияси. Суднинг сайёр сессияси.*

2 Биржалар фаолиятининг ташкилий шакли: кун давомида савдо қилиш учун белгиланган қатъий вақт. *Сессиялардан олдин ёки кейин тузилган савдо битимлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва рўйхатдан ўтказилмайди.* «ЎзМЭ».

3 Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида: белгиланган вақтларда ўқув режасида кўзда тутилган имтиҳонларни топшириш даври. *Қишки сессия.* ▬ *-Бу метод ҳозир бизга иш бермайди, – тушунтирди Зокир юмшаб. – Вақт зиқ. Группаларда муҳокама қилдиргунимизча, сессия етиб келади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СЕТ [*ингл.* set] Теннис ўйинида одатдаги уч партиянинг ҳар бири. *Иккинчи сетда дадил ҳаракат қилган вакилларимиз ҳисобни тенглаштиришди.* Газетадан.

СЕТКА [*р.* сетка – кичкина тўр] **1** Ип, пластмасса ва б. дан тўқиладиган тўр халта. *[Хола] Қўлидаги сеткага нон, овқат, бир-икки бош узум солиб, йўл ўртасида бир студент йигитдан клиникага қандай боришни сўради.* Мирмуҳсин, Умид. *Биров ишга шошиляпти, биров бозордан келяпти, икки қўлида сетка.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 *иқт. айн.* **жадвал**. *Тариф сеткаси.*

СЕТОР [*ф.* سه‌تار – уч торли] Уч торли, чертиб чалинадиган, тамбурсимон мусиқа асбоби. *-Хонандалар сукутда, сеторлар ғилофда, – деди Андугоний.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕШАНБА [*ф.* سه‌شنبه] Ҳафтанинг душанбадан кейинги, иккинчи куни. *Алқисса, таҳлил ҳафтада уч кун эрди: шанба, якшанба, душанба; аммо сешанба куни ҳар бир жамоанинг ўз олдига гаплари бор эрди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

СЕЯЛКА [*р.* сеять – «экмоқ» с. дан ясалган от] *қ. х.* Уруғларни маълум чуқурликда бир текис экиш, экинларни ўғитлаш ишларига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги

машинаси. *Эртадан чигит экмоқчи эдик, сеялкаларни тайёрлаб қўйяпман.* Ойдин, Келин ўғил туғибди. *Сеялкалар чигитни майин тупроқли далаларда бир хил чуқурликда ташлаб кетади.* Газетадан.

СЕЯЛКАЧИ Сеялкада ишловчи, сеялка билан уруғ сепувчи деҳқон. *Сеялкачиларнинг қўли қўлига тегмайди, ҳозир улар билан суҳбатлашиш ҳам қийин.* Газетадан.

СЕҲР [*а.* سحر – жозиба, фусункорлик; сеҳргарлик, афсун, жоду; жодугарлик] **1** Ғайритабиий кучлар, сеҳрли афсун ва дуолар ёрдамида мўъжиза яратувчи ҳаракат ва дуолар; афсун, жоду. *Девлар буни сезиб, сеҳр билан битта таёқни дуторга, қовун пўчоғини доирага айлантириб, мафтун қилувчи куй чалиб, қўшиқ айта бошлабдилар.* «Олтин бешик». *Ўғлингизнинг бу иши бежиз эмас: марғилонлик сеҳр қилдими, жоду қилдими, ҳайтовур, сиз шу йўсинда юра берсангиз, эрта-индин ўғилдан ажраласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дейдиларки, сенинг кўзларинг Афсунгармиш, сеҳр этармиш.* Р. Парфи, Кўзлар.

2 *кўчма* Сўз ёки хатти-ҳаракатдан келиб чиқадиган мафтункорлик, фусункорлик, жозиба. *Куй сеҳрига берилмоқ.* ▬ *Кўп заҳмат сўнгида англаб етолдим Устоз Алишернинг буюк сеҳрини.* Э. Воҳидов. *Алимардон ўз овозининг сеҳри бутун тўйхонани ром этганини сезиб, завқ билан ашула айта бошлади.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

СЕҲРБОЗ [*а.+ф.* سحرباز] *кам қўлл. айн.* **сеҳргар.**

СЕҲРГАР 1 [*а.+ф.* سحرگر – сеҳр, жоду қилувчи, афсунгар, жодугар] **1** Сеҳр билан ўзи ёки бошқаларни ҳар хил қиёфага киритувчи; афсунгар, жодугар (эртак ва афсоналарда). *Чиройли йигит қиёфасига кириб олган сеҳргар Иблис, севгилимни қўлтиқлаб кетаётганини кўриб, ёниб кетдим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *У сеҳргар бир думалаб, чумчуқ қиёфасига кирдида, «пир» этиб учиб кетди.* «Олтин бешик».

2 *кўчма* Мафтун қилиб, ўзига боғлаб олувчи; фусункор. *Сеҳргар кўзлар. Сеҳргар қиз.* ▬ *Радиодан дутор садоси таралар, сеҳргар куй Темиржоннинг қалбига кириб борар, унинг юзида маъсум латофат уйғотарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

СЕҲРГАРЛИК 1 Сеҳр-жоду қилиш ҳунари, касби. *Афлотуннинг қизи отасининг сеҳргарлик-жодугарлик ҳунарини ўрганиб олган эди.* «Луқмони ҳаким».

2 Халқ эътиқодига кўра, зиён етказиш ёки ундан халос қилиш, касалликларни тузатиш борасидаги мўъжизавий қобилият.

3 *кўчма* Кишининг эс-ҳушини олиб қўйиш; жозибадорлик, фусункорлик.

СЕҲР-ЖОДУ Сеҳр ва жоду. *Сеҳр-жоду қилмоқ.*

СЕҲРКОР *айн.* **сеҳргар 2.** *[Гулхайрининг] Товуши майин, баҳор шабадасидай сеҳркор мавжланиб, тўппа-тўғри дилга қуйиларди гўё.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СЕҲРЛАМОҚ 1 Сеҳр-жоду билан эс-ҳушини олиб, ўз измига бўйсундирмоқ (эртак ва афсоналарда). *Уларнинг ҳаммасини сеҳргар Иблис сеҳрлаб қўйди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 *кўчма* Эс-ҳушини олиб қўймоқ, мафтун қилмоқ, ўзига тортмоқ; ром этмоқ. *Ўйнаётган йигит ўз санъати билан даврадагиларни сеҳрлаб қўйган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Лаълининг катта тим қора кўзлари йигитни сеҳрлаб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

СЕҲРЛИ 1 Сеҳрлаш, мўъжиза яратиш хусусиятига эга, сеҳрловчи; сеҳрланган. *Сеҳрли таёқча* ▬ *Шундай бўлгач, сеҳрли қалпоқчанинг ёрдамига муҳтожман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. -*Мен бир сеҳрли булоқ топдим, – деди йигит.* «Эртаклар».

2 *кўчма* Мафтун этувчи, мафтункор, фусункор, ўзига жалб этувчи. *[Гулнор] Бир ёз кечаси тўлин ойнинг сеҳрли нурида, мана шу тераклар остида Йўлчини кутмаганмиди?* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕҲРЧИ *айн.* **сеҳргар 1.** *[Ўзбек ойим:] Марғилонликнинг домласи сеҳрчи ҳинди эди, мен бўлсам бу ердан ҳинди домла топа олмадим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИ I [*лот.* si] Мусиқада: муайян изчилликдаги товушқаторнинг еттинчи товуши ва унинг нота белгиси. *Музикада еттита асосий товуш бор: до, ре, ми, фа, соль, ля, си.* И. Акбаров, Музика саводи.

СИ II [*фр.* si < Sisteme Internationale – «халқаро тизим» бирикмасининг қисқартмаси] Халқаро бирликлар тизими – физик катталикларнинг асосий ва ҳосилавий ўлчов бирликлари тизимининг қисқача номи.

СИБИЗҒА *с.т.* Найнинг бир тури; чўпон найи (*қ.* **най 3**). *Қамиш сибизға. Сибизға чалмоқ.* ▬ *Мен ҳам қўлга олиб сибизға созим, Тўйингга шошарман элдан илгари.* Э. Воҳидов.

СИБИЗҒАЧИ Сибизға чалувчи.

СИБИР [*р.* Сибирь – Россия Федерациясининг ҳудудининг Осиё қисмидаги табиий ўлка]: **сибир қилмоқ** *с. т. тар.* Сибирга сургун қилмоқ. [*Ҳоким:] Йўқ, ҳукм қатъий. Ғофир бир умр сибир қилинди!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

СИВИЗҒА *с.т. айн.* Сибизға. *Ана, чўпон йигит яшил майсазорга ёнбошлаб, қамиш сивизғасини чалаётибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

СИГАРА [*фр.* cigare < *исп.* cigarro] Чекиш учун найча шаклида тиғиз, зич қилиб ўралган ва сирти елимланган тамаки барглари.

СИГАРЕТА, сигарет [*фр.* cigarette – кичик сигара] Бор бўйича тамаки тиқилган, муштуксиз, шунингдек, зарарли моддалар таъсирини камайтириш мақсадида махсус фильтр билан таъминланган қоғоз найча. *Сигарета тутатмоқ. Фильтрли сигарет.* ▬ *Аҳмад коридорга чиқиб, чўнтагидан сигарет олиб тутатди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Солиҳ чекаётган сигаретасининг кулини қоқар экан, узилиб қолган гапини давом эттирди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

СИГИР Бузоқлаган урғочи қорамол. *Говмиш сигир. Сигир соғмоқ. Сийлаганни сигир билмас.* Мақол. ▬ *Ҳовли этагидаги оғилхона томондан сигирнинг пишиллагани, алланиманинг тап-тап этиб ерга тушгани эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Сигир йили Мучал йил ҳисобида иккинчи йил (*қ.* **мучал**). *Унинг йили – сигир.*

СИГИРХОНА Сигир турадиган жой, молхона, оғилхона. *Самин бобо ухладиёв деганда, Сайфи билан икки-уч бўлак кунжарани қўлтиқлаб, сигирхонамизга йўрғаладик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

СИГИРҚУЙРУҚ Бўйи 60–105 см, барглари бандсиз, меваси ва пояси тук билан қопланган, сариқ шингилсимон тўпгулли ўсимлик; бегона ўт (халқ табобатида жароҳатни даволашда ишлатилади). *Сигирқуйруқни [заҳарли бўлгани учун] мол емайди.* «ЎзМЭ».

СИГНАЛ [*нем.* Signal < *лот.* signum – белги] **1** Бирор маълумот, буйруқ, хабар ва ш. к. ни яқин ёки узоқ масофага етказиш, кишиларни ўзига қаратиш, огоҳлантириш, тартибга чақириш учун қўлланадиган шартли белги, ишора, товуш ва ш.к. *Светофор сигналлари. Товушли сигнал. Аниқ вақт сигнали. Машина сигнали. Сигнал чироқлари.* ▬ *Шофёрнинг «Йўл очинглар» маъносида бераётган сигнали бефойда эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мансур ҳовли ўртасига етиши билан орқадан машина сигнали эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма* Бирор ҳодисанинг олдини олувчи, у ҳақда огоҳлантирувчи, таъкидловчи хабар ёки белги, ишора. *-Шундай кўнгилсиз аҳволлар тўғрисида сигналлар бўлганмиди? -Бўлган эди. Бу ерда ўртоқ Эргашевнинг ҳушёрлигига тан бериш керак.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Шундан буён икки ой ўтди, ҳали ҳам матбуот сигналига жавоб йўқ.* «Муштум».

СИГНАЛИЗАТОР Сигнализация ускунаси ёки унинг сигнал берувчи қисми.

СИГНАЛИЗАЦИЯ [*фр.* signalisation – белгиларни масофага узатиш < signum – белги] Сигналлар системаси ва сигнал берувчи асбоблар, қурилмалар мажмуи. *Автоматик сигнализация. Сигнализация ва алоқа воситалари.* ▬ *[Сигнализация] Вазифасига қараб, авариянинг олдини олиш, чақириш, буйруқ бериш, ўт ўчириш, қидириш, огоҳлантириш учун мўлжалланган сигнализацияларга бўлинади.* «ЎзМЭ».

СИДЕРИК [*лот.* sidus, sideris – юлдуз; осмон ёритқичи]: **сидерик айланиш даври** *астр.* Сайёра, астероид ёки кометанинг Қуёш атрофида, табиий йўлдошнинг ўз сайёраси атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқиш даври (*таққосланг*: **синодик: синодик айланиш даври**).

Сидерик ой *астр.* Ойнинг Қуёш атрофида тўлиқ бир айланиш даври; *таққосланг:* **синодик: синодик ой.**

СИДИРИЛМОҚ Сидирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Териси сидирилиб кетди.* ▬ *У [Лолахон] енгини шимариб олган, кулча бетлари терга ботган, қизил рўмолчаси бошидан сидирилиб, узун соч ўримига илашиб қолган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Гавдадан кўчган пўст оёқдан ечилган пайпоқдек илон гавдасидан сидирилиб тушади.* «Зоология».

Ичи сидирилиб кетмоқ Ичида ҳеч нарса қолмаслик, қорни очиб кетмоқ. *Кўк чой ичавериб, ичим сидирилиб кетди.*

СИДИРМОҚ 1 Қўл бармоқлари ёки кафтни босиб, бир томонга ҳаракатлан-

тирмоқ. *Эргаш қизарган юзини кафти билан сидириб қўйди..* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Раҳим Саидов титроқ қўллари билан соч толасини юз-кўзи аралаш сидириб, кичкина ёстиқча билан битта бўлиб ётган сочларига секин қўшиб қўйди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Қўл бармоқлари билан тортиб ёки суриб туширмоқ, тозаламоқ. *Пайпоқни сидириб, тўпиққа туширмоқ.* ▬ *-Ёмонликка яхшилик, — деди ўт ёнида дийдираб ўтирган Уббиниёз соқолидаги лойни сидириб.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *-Ҳозир жуда қорним очди,— деди Турғунбой пешонасидан терларини сидираркан.* Т. Ашуров. Оқ от.

3 Артиб, қириб ёки кўчириб олиб ташламоқ. *Бу ерда.. майдоннинг ҳар бир қатлами сидириб олиниб, тақир ерда 500 машина сиғадиган катта автобаза қурилаётган экан.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бўтабой ариқ четларидаги ўтларни кетмонлаб сидирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *«Овни нима қиламан!» деб ўйлади Ёдгор нон ушоқларини сидириб оларкан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 *кўчма* Олиб ташламоқ; холи қилмоқ; кетказмоқ. *Энг мусаффо хаёл бўлиб ишқ, Қиз қалбидан сидирди доғни.* О. Ҳожиева. *Кулги юраклардаги ғашликни сидирди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

Сидириб солмоқ Жеркиб бермоқ, коийимоқ. *-Санобар билан бир оз ҳазиллашдик, кулишдик. Ўшанда унинг кеннойиси зарда билан уни чақириб, «йигит кишининг олдида ҳадеб ҳингиллайверасанми», деб сидириб солган эди, — деди Баҳром.* М. Қориев, Ойдин кечалар. **Юзини** (*ёки* **бетини**) **сидириб ташлаб** Андиша қилмасдан, уятни йиғиштириб қўйиб.

СИДИРҒА 1 Бир рангдаги, бир тусдаги; гулсиз, сийдам. *Сидирға духоба. Сидирға ранг.* ▬ *Ёнидаги бўш стул устида турган сидирға қора бахмал дўпписини олиб, тақир бошига кийди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ялпи равишда, ёппасига, бир текис, узлуксиз равишда. *Мана уч кечаю кундуз ҳавонинг қовоғи солиқ: қора ёғнинг тутунидай қоп-қора булут Асака билан Ўзган оралиғини сидирға қоплаб олган.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Қор тоғда сидирға бўлмай, қатиқ тўкилгандай олачалпоқ.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

СИДИРҒАСИГА *рвш.* Ёппасига, ялписига, узлуксиз равишда. *Меваларни сидирғасига совуқ урибди.* ▬ *-Сидирғасига ўқийвер, бу нимаси, бизлар ҳам эшитайлик, шайтон қиз! — дейди Роҳат келинойи.* Ойбек, Болалик.

СИДРА (*фақат снқ. сонлар билан*) **1** Марта, карра, бора. *Жабборов техникани яна бир сидра кўздан кечириш учун беш кун имконият борлигини айтди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти. *-Бугун икки гектардан бир сидра теримда 38 центнер ҳосил кўтарибмиз, — деди бригадир.* С. Акбарий, Чўлдаги парвоз.

2 Одатда бир бутунликни ташкил этувчи нарсаларнинг тўлиқ йиғмаси, тўплами. *Бир сидра кийим.* ▬ *Бола-чақа маъмур. Егани олдида, емагани кетида. Кийим-кечакдан эса уч-тўрт сидрадан, — деди Нафас Йўлдошевич.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 Айни бир пайтда; маълум муддатда; қачонлардир. *Бир сидра. Бир сидра шундай воқеалар ҳам бўлиб ўтган эди.* ▬ *Кумушнинг заҳарли муаммо мактуби бир сидра Отабекнинг кўз ўнгидан ўтиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИДҚ [*а.* صدق — ростлик, тўғрилик, самимийлик; ҳақиқат] Чинлик, ростлик, садоқат, содиқлик, самимийлик. *Мастура қилиб нолишни, Сидқ билан тўкди кўздан ёшни.* «Эрали ва Шерали».

СИДҚИ *фольк.* Рост, ҳақиқий; ростакамига, чин кўнгилдан, дилдан қилинадиган ёки айтиладиган. *Сидқи қасамлардан онт айтиб, ваъдани қаттиқ қилиб дўст бўлди.* «Муродхон». *[Энаси ўғилларига:] Эна деган тилингдан мен, шўр бебахт, Сидқи йиғла, пирим келсин тезроқ.* «Эрали ва Шерали». *..Энди сидқи сўрашайлик сиз билан, Ўз юртимда она-отам омонми?* «Зулфизар билан Авазхон».

СИДҚИДИЛ [*а. + ф.* صدقدل — кўнгил, қалб садоқати] *рвш.* Астойдил, чин юракдан; ҳақиқий. *Мана сен, ота-бобонг бизга сидқидил хизмат қилдинглар [деди Махсум].* С. Анорбоев, Оқсой. *Сидқидил бирла қўлига ким они тутса агар, Мақсадига етказиб, кўнгил ризо қилди қалам.* Ҳамза.

СИДҚИДИЛДАН *рвш.* Чин дилдан, юракдан; астойдил; садоқат ва самимият билан. *Мен унинг бу ишларни сидқидилдан адо этаётганига, мамлакат учун астойдил қайғураётганига инондим.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

СИДҚИДИЛЛИК Садоқатлилик, чин садоқат; самимиятлик. *Сидқидиллик кўрсатмоқ. Сидқидиллик билан бажармоқ.* ▬ *У буюрган ишни сидқидиллик билан тез ва аниқ ўтайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

СИЁ [*ф.* سیاه – қора; қоралик] *с.т. айн.* **сиёҳ.** *Очилган ғунча гулидек, Сиё сочлари сунбулдек, Ширин овозли булбулдек Сиз ёрима мендин салом.* «Қўшиқлар».

Дили сиё Кўнгли ғаш, хафа. *Кампирнинг дили сиё.. Боя сўкчак тагидан ўнтача ўлик қурт териб чиқди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Ноз-неъмат муҳайё бўлса-ю, дилинг сиё, руҳинг сўниқ бўлса, ҳаётда не лаззат бор?* М. Жўра, Изтироб.

СИЁСАТ [*а.* سیاست – бошқариш; раҳбарлик қилиш, бошлаб бориш] Давлат ҳокимияти шаклларини амалга ошириш ва бошқариш; давлат ҳокимиятининг мамлакатни бошқарувда ва халқаро муносабатларда тутган йўли; давлатни бошқариш санъати. *Ички сиёсат. Ташқи сиёсат.* ▬ *Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати янгича маъно ва мазмун касб эта бошлади.* «ЎзМЭ». *Бу кунги шароит тажрибали хонни бошқача сиёсат ушлашга мажбур этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Ҳийла-найрангга асосланган, йўлига қилинган иш, хатти-ҳаракат; устомонлик. *Шу жойда раиснинг обрўси сал дарз кетибди. У ўзининг бийлигини сиёсат билан ўтказмоқчи бўлган экан-у, бўлмабди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Деҳқон, косиб халқи нотинчланиб қолди: албатта, уларнинг болалари кетади-да, фармонда мардикор дейилган, аммо, Салим ака, менимча, бу нарса бир сиёсат, бир алдов бўлса керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *с. т.* Дўқ, пўписа, қўрқитув. *[Навоий:] Таҳдид ва сиёсат эмас, меҳрибонлик даркор.* Ойбек, Навоий. *[Беклар:] Сиёсат учун битта иғвогарнинг бошини кестирмоқ зарур!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳа, одамлар айтар эди, Азроил жон оладиган бўлганда, шундай сиёсат билан, ҳайбат билан келади, деб.* «Муродхон».

СИЁСАТБОЗ [*а.* + *ф.* سیاستباز – қуруқ сиёсатчи] Сиёсатбозликни яхши кўрадиган, қуруқ сиёсат билан иш кўрадиган. *Сиёсатбоз кишилар.*

СИЁСАТБОЗЛИК Қуруқ сиёсат билан иш тутиш, сиёсат сўқиш, сафсатабозлик. *Сиёсатбозлик қилиш.*

СИЁСАТДОН [*а.* + *ф.* سیاستدان – сиёсатни биладиган, тушунадиган] Сиёсат билан шуғулланадиган, сиёсатни яхши биладиган, тушунадиган; сиёсатчи. *Сиёсатдон одам.* ▬ *Сиз, айтайлик, хорижий мамлакат билан музокара олиб борадиган дипломат ёки сиёсатдонсиз.* «Фан ва турмуш». *Хуллас, атоқли шоир, сиёсатдон, бастакор ва таржимон Комил ижоди.. адабиётимиз тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.* «ЎТА».

СИЁСАТЛИ Гапи ўткир, гапини ўтказа оладиган, ҳайбатли, ўз салобати, теран фикри, қаттиққўллиги билан кишиларни ҳайиқтирадиган. *Сиёсатли бошлиқ.* ▬ *Бир ҳайбатли, сиёсатли нарсалар экан. Булар билан олишиб бўлмаса керак.* «Ёдгор».

СИЁСАТЧИ Сиёсат билан шуғулланувчи, сиёсатдон, сиёсат арбоби. *Сиёсатчилар нега сиёсий партиялар фаолияти ҳақида фикр билдирмаяптилар?* Газетадан.

СИЁСАТШУНОС [сиёсат + *ф.* شناس – ўрганувчи, текширувчи] *айн.* **сиёсатдон.** *Сиёсатшуносларнинг фикрига қараганда, эфир доирасида берилган вақт давомида Януковичнинг.. нисбатан бир оз устунлиги сезилган.* Газетадан.

СИЁСИЙ [*а.* سیاسی – сиёсатга, дипломатияга доир] Сиёсатга оид, сиёсат билан боғлиқ бўлган, сиёсат соҳасидаги. *Сиёсий масала. Сиёсий партия. Сиёсий шарҳловчи.* ▬ *Мустақил Ўзбекистон сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди.* «Мустақиллик» луғати.

2 Давлатга, давлатчиликка ва фуқаролик ҳақ-ҳуқуқига оид. *Сиёсий тузум. Сиёсий ҳуқуқ.* ▬ *Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тузуми 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси, шу асосда қабул қилинган конституциявий қонунлар ҳамда бошқа расмий ҳужжатлар билан белгиланган.* «Мустақиллик» луғати.

Сиёсий харита Дунёнинг, қитъаларнинг давлатларга бўлинишини, давлатлар ёки уларнинг айрим қисмларининг ҳозирги кундаги сиёсий-маъмурий тузилишини кўрсатувчи харита. *Дунёнинг сиёсий харитаси.* ▬ *Европа сиёсий харитасида Могилёв шаҳри*

кичик бир нуқта бўлиб кўринди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СИЁҚ [*а.* سياق – оқим, жараён, бирор нарсанинг бориши, давом этиши; матн парчаси] (*3-шахс бирл.* **сиёқи** *ва* **сиёғи)** **1** Авзо, афт-ангор, турқ, кўриниш. *Ҳавонинг сиёқи бузуқ.* ▬ *Ўғил ҳам отага шунча ўхшарми, Кўзингда, сўзингда отанг сиёқи.* О. Ҳакимов. Достонлар. *Чапдастлиги учар қушни олгудек, Сиёқидан йўлбарсга чанг солгудек..* Я. Қурбон. *Энажон, сўрама қайғу ҳам доғим, Ғам билан сарғайди гулдай сиёғим.* «Равшан».

2 Ҳолат, аҳвол, феъл-атвор. *Гўёки Собировнинг «ўғри» деб қилган ҳақоратига чидамаган сиёқда гузарга чиқиб, бақириб-чақирди.* А. Қодирий. Обид кетмон. -*[Кумушнинг] Кундошликка чидайдиган сиёқи йўқ, ҳар кун Зайнабингиз билан ғиди-биди қилавериб, сизни қийнаб қўярмикин дейман, — деди Отабек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Йўлдошвойнинг] Сиёқидан зўр генерал бўлишини фаҳмлаб турибман.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

3 Мазмун, маъно. *[Тошмурод:] Гапининг сиёғига қараганда, Йўлдош қизини сенга келинликка беришга рози.* Газетадан.

СИЁҲ I [*ф.* سياه – қора; қоронғилик; бахтсиз, ғамгин] **1** *сфт. поэт.* Қора, қора рангли. *Кўзимга қўйибман сиёҳ сурмани, Жоним отам, севганимга бер мани.* «Қўшиқлар». *Қор кетди заминда, Бўртди илк гиёҳ, Қоронғи, сиёҳ тунда Шам ёнди гўё.* Х. Даврон.

2 *от кўчма* Хат ёзиш учун ишлатиладиган рангли суюқлик. *Қора сиёҳ. Қизил сиёҳ. Сиёҳ билан ёзилган хат.* ▬ *Ой чиқди: сербулут осмон худди сиёҳ сачраган зангори кўйлакка ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Дили сиёҳ *с.т. айн.* **дили сиё** *қ.* **сиё.** *Ҳайдар Ғуломович ҳам уйига дили сиёҳ бир ҳолатда қайтди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Олчинбекнинг бу аянчли аҳволи Шаҳзоданинг дилини сиёҳ қилди.* К. Яшин, Ҳамза. **Рўйи сиёҳ** Юзи қора, қора юзли. *Рўйи сиёҳ бўлдик ушбу шаҳарга, Бошимиз кесади, осади дорга.* «Эрали ва Шерали».

СИЁҲ II *эск. айн.* **сиёқ.** *Ҳавонинг авзойи бузуқ, ёғадиган сиёҳи бор.* ▬ *[Олимовнинг] Шу зеҳни, ғайрати турса, келгусида агроном бўлиш сиёҳи бор.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *[Зикриё қори:} Пўлат деган шу бўлади, тақсир. Бунинг икки дунёда ҳам эл бўладиган сиёҳи йўқ.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

СИЁҲДОН [*ф.* سياهدان – сиёҳ идиши] *тар.* Сиёҳ қуйиб қўйиладиган идишча, ёзув-чизув асбоби, довот. *Шиша сиёҳдон.* ▬ *Столи устида қоғозу қалам, Сиёҳга тўладир сиёҳдони ҳам.* Ж. Жабборов. *Сиёҳдон, азизим, қаро кўзлигим, Қаро тунлар аро ёриган кўзгу.* Ғ. Ғулом.

СИЗ (*кш. олм. 2-ш. кўпл.*) **1** Ўзидан катта кишининг ёки ҳурмат билдириладиган шахснинг номи ўрнида қўлланувчи сўз (тингловчига нисбатан). *Бу сизнинг китобингизми?* ▬ [*Оқсол:] Қимирламанг, отахон! Сиз келганда, биз турсак ярашади, биз келганда, сиз турсангиз, хунук кўринади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. [*Меъмор:] Майманадаги Ҳорун бўзчи — сиз бўласизми?* Мирмуҳсин, Меъмор. -*Акрам ака! — қизнинг овозида гина аралаш илтижо бор эди. — Сиз мени тушунишни ҳам хоҳламаяпсиз!* Газетадан.

2 Кўпчиликка қилинган мурожаатда қўлланади. *Мана, Назира хола ҳам, Шаҳодат хола ҳам келишди. Яхши бўлди. Ўзим ҳам сизларни йиғиб, икки оғиз гаплашмоқчи эдим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. -*Сизлар ким бўласиз? — деди Чўли бобо. -Мана бу йигит бек ҳазратларининг инилари, — деди Меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СИЗЛАМОҚ Ўзидан каттага ёки бирор одамга ҳурмат юзасидан «сиз» деб мурожаат этмоқ. *Сизлаб гапирмоқ.* ▬ *Акрамхон ундан жавоб мушти кутиб, жангга ҳозирланган чоқда даъвогар энди ғазаб билан эмас, ҳазил билан ва сизлаб жавоб қилди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

СИЗЛОВУҚ *айн.* **сизлоғич**. *У [Ҳасан] худди бўйнига сизловуқ чиққандай, калласини бир ёнга қийшайтириб, афтини бужмайтириб, салом-аликсиз тўғри тўрга ўтаверди.* С. Сиёев, Аваз.

СИЗЛОҒИЧ Тук, соч халтачаси оғзининг йирингли яллиғланиши; фолликулит. *Сизлоғичнинг олдини олишда тери тозалигига алоҳида эътибор бериш айниқса муҳим.* «ЎзМЭ».

СИЗМОҚ 1 Бирор нарса орқали ёки унинг орасидан аста-секин ёки томчилаб ўтмоқ. *Молхона томининг бўғотидан сизиб тушаётган йирик-йирик томчилар ора-чора яроқларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *[Собирнинг] Лабларининг четидан шўртанг*

томчилар сизиб кирди. М. Мансуров, Ёмби. *Ориф ака тош тагидан сизиб чиққан бир чашмадан ётиб сув ичди.* А. Мухтор, Чинор.

2 *кўчма* Аста-секинлик билан, оҳиста. *Янгроқ куй юракка сизиб кириб, гўё сизни анвои гуллар чаманзорига етаклагандек бўлади.* Газетадан. *Нусратбекнинг кўнглидан: «Гулхайри бирон жойга кетсайди», деган истак сизиб ўтди.* С. Нуров, Нарвон.

СИЗОТ, сизот сув Ер остидан сизиб чиқадиган сув, захсуви. *Сизот оқар зовурлардан, Отилади шағал ва қум.* Миртемир. *Зовурни қанча чуқур олсангиз, сизот сув шунча тез йўқолади.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамон пахтакор.

СИЗСИРАМОҚ *айн.* **сизламоқ.** *Ўзидан катталарни сизсирамоқ.* ▬ *Ҳожи.. хотинини сизсираб: -Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз.. — дер эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИЗҒИМОҚ *шв. айн.* **сизмоқ 1, 2.** *Майин ел чўққиларни қучиб ётган қор нафасини олиб келади; музликдан сизғиб тушаётган сув шилдираб оқади.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Ток барглари орасидан сизғиб ўтган тангадек офтоб нурида олтиндек товланиб турган антиқа беҳиларга меҳмоннинг кўзи тушиб, завқланди.* М. Хайруллаев, Алёр.

СИЙДАМ *шв.* Сидирға, бир тусдаги; гулсиз. *Бу — инглиз ҳарбий либоси устидан сийдам бақасам тўн кийган 35 ёшлар чамасидаги киши эди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Ўрта ёшлардаги, сийдам зангор бахмал дўппи кийган бир киши гапга аралашди.* С. Абдулла, Таниш башаралар.

СИЙДИК 1 Буйрак орқали ажралиб чиқадиган ва таносил аъзолари орқали ташқарига чиқариб ташланадиган суюқлик; пешоб. *Сийдик пуфаги (қовуқ). Сийдик йўллари. Сийдик тутилиши.* ▬ *Организмдан сийдик билан бирга сув, тузлар ва бошқа чиқиндилар, шунингдек, организмга кирган ёки унинг ўзида ҳосил бўлган турли заҳарли моддалар чиқиб кетади.* «ЎзМЭ».

2 *с.т.* Пушт, насл; сперма, маний. *Ўз сийдигидан бўлган бола.* ▬ *Мен сенларнинг амирингизга қўшилмадим-у, унинг сийдигидан бўлган сенларга қўшиламанми?* С. Айний, Қуллар.

СИЙЛАМОҚ 1 Ҳурматини бажо келтирмоқ, иззат-икром қилмоқ, эъзозламоқ. *Отасини сийлаганни боласи сийламас.* Мақол. ▬ *[Ўзбек ойим:] Ҳали қудаларимизни муддаодагидек сийлай олганимиз йўқ, шу ҳолда жўнатсак, бизнинг шаънимизга яхши эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қадрига етмоқ, ҳурматламоқ. *Эр — сийлаган ерда азиз.* Мақол. ▬ *Сийланган жойида азиздир инсон.* А. Орипов.

3 Меҳмон қилмоқ, зиёфат қилмоқ; қўллаб юбормоқ (асосан **билан** сўзи билан биргаликда). *Умид Ҳафизани эскимо ва ширин данак билан сийлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Овқатдан кейин бобо меҳмонларни қимиз билан сийлади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Сарихон [подшони] катта ўтовларга тушириб, элини йиғиб, қўйни сўйиб, зиёфат қилиб, сийлай берди.* «Ойсулув».

4 *с.т.* Савдо-сотиқда ҳурмат юзасидан ортиқроқ, оғирроқ, яхшироқ қилиб бермоқ ёки камроқ ҳақ олмоқ. *Сизга беш сўм сийладим. Ўн килограмм ҳамма қатори, беш килограмм сизга сийладим.* ▬ *Одамлар, ҳеч бўлмаса икки-уч тупдан сийланг, деб ялинаверди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

СИЙЛИ *шв.* Сийланган; иззат-икромли, эътиборли, обрўли. *Ҳақиқат сўзласа сизга Аҳмадхон, Сийли ердан келган экан бу меҳмон.* «Зулфизар билан Авазхон». *[Авазхон:] Бориб Хидиройга меҳмон бўлайлик, Тургин, ойим, сийли жойга борайлик.* «Зулфизар билан Авазхон».

СИЙЛОВ 1 Сийламоқ фл. ҳар н.

2 Сийлаб, ҳурмат қилиб бериладиган нарса, совға, туҳфа. *Унинг эгнида Дурди қилич берган сарпо — ипак чопон, киссасида «бу биздан сийлов», деб Дурди қилич инъом этган тангалар шарақлайди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Савдода хариднинг ортиқроқ, оғирроқ, яхшироқ қилиб берилган ёки ҳақнинг камроқ олинган қисми. *Оғири сизга сийлов. Сийлови билан тортиб бермоқ.*

Ўзингга сийлов (бўлсин) *кест.* Ўзингга буюрсин (яъни менга, бизга кераги йўқ). *Маслаҳатинг ўзингга сийлов.* ▬ *[Асад:] Жўхори-пўхорингиз уста бувам билан ўзингизга сийлов.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

СИЙМ [*ф.* سيم — кумуш, нуқра] *поэт.* Кумуш. *Хўжасида бўлса ҳам қанча-қанча сийму зар, Қарангки, жулдур кийган Эзоп мангу қолибди.* А. Орипов.

СИЙМБАР [*ф.* سيمبر — оқбадан, гўзал, зебо] Оппоқ, нозик баданли. *Қайрилиб*

боқди қиё ул сиймбар, қайрилма қош, Мен ҳамон урмоқда эрдим тўлғона тошларга бош. Газетадан.

СИЙМИН [*ф.* سیمین – кумуш каби, оппоқ] *поэт.* Кумушранг, кумушга ўхшаш. *Кўкда моҳ аста кезар, сочар хомуш Борлиқ узра сиймин ҳал.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

СИЙМО [*а.* سیما – юз, чеҳра; белги, аломат, қиёфа] *кт.* **1** Шахс, зот. *Улуғ сиймо.* ▬ *[Қосимбек:] Мовароуннаҳрдаги темурийлар орасида энг соҳибистеъдод, соҳибқудрат сиймо – Бобур мирзодирлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шоир ва академик Ғафур Ғулом шеъриятда ўзига хос, мисли йўқ сиймолардан биридир.* «Саодат».

2 Қиёфа, кўриниш; чеҳра, юз. *Улуғвор сиймо. Гўзал сиймо.* ▬ *Бизга ғоят азиз, ғоят мўътабар Шифокорнинг илиқ сиймоси.* Э. Воҳидов. *-Унинг [қизнинг] сиймосида мен ҳаёт гўзаллигини кўрдим. Табиат бунёд этган ноёб гул эди у, – деди Самар.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Қундузхон бундан икки йил аввал йўқотган онасининг меҳрибон, мунис сиймосини қидиради.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Бирор шахс образи. *Ўйчан мисраларда таржимон Маргаританинг изтироб тўла сиймосини усталик билан тасвирлайди.* «ЎТА».

СИЙМОҚ Қовуқни бўшатмоқ, ёзилмоқ. *Эрим урмайди дема, Болам сиймайди дема.* Мақол. ▬ *Отлиқ отини тўхтатиб, ундан тушди, от сийганда, ундан узоқлашиб турди.* С. Айний, Қуллар.

Билиб туриб, сувга сиймоқ Билиб туриб, ножўя ёки номақбул иш қилмоқ; гуноҳ қилмоқ (ота-боболар эътиқодига кўра, сувга сийиш катта гуноҳ ҳисобланган).

СИЙМТАН *айн.* **сиймбар**.

СИЙНА [*ф.* سینه – кўкрак, кўкс; кўкрак қафаси; қалб, дил] *кт. поэт.* **1** Кўкрак, кўкс. *Эслаганда, қизнинг сийнаси Чуқур бир оҳ билан қўзғалур.* Ҳ. Олимжон. *Мирқосимнинг қўлидаги чақалоқ бирдан йиғлаб юборди. Лаъли уни қўлига олиб, бағрига босди-да, лорсиллаб турган оппоқ сийнасини тутди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ханжарнинг тиғи унинг [Шаҳзодахоннинг] сийнасини бир неча бор ялаб ўтди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Дил, қалб, юрак. *Булбул учиб, қўнар зоғлар, Сийнам тўла алам-доғлар.* «Эрали ва Шерали». *Неча вақтлар қўлим боғли, Банди бўлиб, сийнам доғли.* «Юсуф ва Аҳмад».

3 *кўчма* Қучоқ, бағир; оғуш. *Булоқ она Ер сийнасидан Шеър сингари қайнаб оқади.* Э. Воҳидов. *Сенинг учун очиқдир кенг жаҳоннинг сийнаси.* Ғ. Ғулом.

СИЙНАБАНД [*ф.* سینه‌بند – кўкракпеч, ошхўрак; бюстгальтер, лифчик] Аёлларнинг ички кийими; лифчик. *У сийнабандидан рўмолчага ўроғлиқ алланарса чиқариб, эрининг олдига ташлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СИЙПАЛАМОҚ 1 Силамоқ, силаб эркаламоқ. *Мен унинг узун, нозик бармоқларига қарадим-у: «Насиб қилса, бир куни мана шу бармоқларни сийпалаб, тилла узук тақаман», деб қўйдим ичимда.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ушлаб, силаб кўрмоқ, силаб текширмоқ, пайпасламоқ. *Давлатёрни чамадоннинг ялтироқ жезлари жуда қизиқтирди. Уларни қўллари билан сийпалаб кўриб: -Бу папкани ҳукумат берганми ё сотиб олганмисиз? – деб сўради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма айн.* **сийпамоқ 2** (шабада, шамол ҳақида). *Кўм-кўк ўтзорлар ичидан ёқимли шабада эсди-ю, қиз билан йигитнинг юзларини сийпалади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Баҳор шабадаси юзни сийпалаб, кўкатларнинг ҳидини димоққа уради.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

4 *кўчма* Яширишга, юмшатишга, билдирмасликка уринмоқ; хаспўшламоқ. *Хуршиданинг илжайиб, сийпалаб гапиришида қандайдир сир бор эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

СИЙПАМОҚ 1 Қўл кафти билан силамоқ. *Силаганни сигир билмас, сийпаганни – ҳўкиз.* Мақол. ▬ *Дуодан сўнг барча юз сийпади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..эшон аллақандай бир дуони ўқиб, соқолини сийпади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Оҳиста, майин урилиб, тегиб ўтмоқ (шамол, шабада ҳақида). *Майин шабада столдаги расмларни сийпаб, уларга жон киргизгандай бўлди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Азим теракларнинг шохлари оралиғидан ой мўралади, унинг яланғоч тўшини куз ели сийпаб ўтди.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Гап-сўз, муомала билан вазиятни юмшатмоқ. *Сийлагани пул топмасанг, Сийпагани тилинг бор.* Мақол.

СИЙРА [*а.* سیره – таржимаи ҳол, турмуш тарзи; тарих] *дин.* Муҳаммад пайғамбар ҳаёт йўлини баён қилишга бағишланган, илк

ислом даврида яратилган диний-тарихий асарларнинг умумий номи.

СИЙРАК 1 Туки кам, қалин, қуюқ эмас. *Сийрак соқол. Сийрак соч.* ▬ *Мўмин ака пешонасини тириштирди, сийрак бароқ қошлари бир-бирига туташди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *Исфандиёр пинагини бузмади. Сийрак мурти бир учиб қўйди, холос.* С. Сиёев, Аваз.

2 Кўп эмас, кам; онда-сонда. *Чойхонада одам сийрак эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Бугун майдондаги арчалар кўзимга аввалгидан сийрак, катта кўриняпти.* Ҳ. Назир, Сўнмас чироқлар. *Бу оилада.. ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади. Аммо меҳмон сийрак бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Кўзи, тешиклари катта-катта. *Сийрак тўр. Сийрак элак кунда керак, Пахта элак ҳайитда керак.* Мақол.

4 Арқоқ-ўришларининг оралари очиқ-очиқ қилиб тўқилган. *Сийрак дока.*

5 Унчалик зич бўлмаган, сийраклашган (газ, ҳаво ва ш.к. ҳақида). *Сийрак булут.* ▬ *Бу ер бўлса денгиз сатҳидан икки-уч минг метр баланд, ҳаво анча сийрак.* С. Анорбоев, Оқсой.

6 Кам учрайдиган, онда-сонда бўладиган. *Сийрак ҳодиса.* ▬ *Ўчадиган чироқ ёниб ўчади, мақоли каби Туркистон хонларида сийрак кўрилган бу маъмуриятпарварлик бизга қолса шу омиллардан туғилган ва бунда самимий ҳеч нарса йўқ.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СИЙРАКЛАШМОҚ 1 Сийрак бўлиб, озайиб қолмоқ. *Кўкдаги юлдузлар ойнинг ўткир шуъласида эригандай сийраклаша бошладилар.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Камаймоқ, озаймоқ. *Кўчадаги қатнов сийраклашиб, қоронғи туша бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бирпасда перронда одамлар сийраклашиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Кенгайиб ёки маълум ҳажмдаги миқдори камайиб, салмоғини йўқотмоқ, сийракланмоқ (газ, ҳаво ҳақида). *Юқорига кўтарилган сари ҳаво сийраклашади.*

СИЙРАКЛИК Зич, тиғиз эмаслик; камлик, кўп эмаслик. *Кўчатларнинг сийраклиги.* ▬ *У ҳаяжонлана бошлаганидан ва ҳавонинг бу ерда сийраклигидан юраги гупиллаб урди.* С. Кароматов, Олтин қум.

СИЙРАТ [*а.* سيرت – таржимаи ҳол, турмуш тарзи; обрў, эътибор, тарих, умр йўли] *кт.* Ички олам; руҳият. *Одамнинг суратига қарама, сийратига қара.* Мақол. ▬ *Хуллас, сурат бор-у, сийрат йўқ. Сийратсиз тана ўлик эмасми?* С. Сиёев, Ёруғлик.

СИЙҚА 1 Ишқаланавериб, суртилавериб сайқал топган ёки едирилиб теп-текис бўлган, сип-силлиқ. *Сийқа тош. Сийқа чақа.* ▬ *Бу кун ҳам қуёш, худди совқотаётгандек, осмонда бир муддат сийқа танга каби хира ялтираб, кўздан йўқолди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Бировлар савдо-сотиқ ёки харж билан овора бўлса, бировлар чўнтакларида сийқа чақаси йўқ, бозор расталарида гаранг судралади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Сийқа бош 1) сочлари тўкилиб кетган, кал бош; 2) кал одам.

2 *кўчма* Кўп қўлланган, ишлатилавериб кўнгилга урган, меъдага теккан (гап, сўз, ибора ва ш. к.) *Сийқа гап.* ▬ *-Подшоҳнинг амри вожиб, – деди аллома, сийқа, эски гапни ишлатишга мажбур бўлиб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Сийқаси чиққан Сийқаланиб кетган, кўп чайналган, (ишлатилавериб) кўнгилга урган, эскирган. *..улар [ишни орқага судровчилар] уялмай-нетмай.. сийқаси чиқиб кетган «бажарамиз»ларини такрор-такрор айтишади.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

3 *кўчма* Ғоя, мазмун ва бадиийлик жиҳатидан юзаки, саёз. *Сийқа фикр. Сийқа асар.* ▬ *Сотиболдиевнинг баҳслашиши ҳам аллaнечук сийқа, бачкана эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СИЙҚАЛАМОҚ Бирор предметни (тошга, темирга) ишқалаб ёки эгов ва ш.к. билан сайқал бериб силлиқламоқ. *Ғиштни сийқаламоқ. Тезоқар сувлар ҳатто тошларни сийқалаб юборади.*

СИЙҚАЛАНМОҚ 1 Сийқаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Сийқаланган тош. Сийқаланиб кетган муҳр. Сийқаланган танга.* ▬ *[Равшан бобо] Сийқаланган қабр тошини қўли билан силади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 *кўчма* Кўп ишлатилаверишдан, такрорлайверишдан сийқаси чиқмоқ, кўнгилга, меъдага урмоқ, эскирмоқ. *Сийқаланган ибора.*

СИЙҚАЛАШМОҚ 1 Сийқа, силлиқ бўла бормоқ, силлиқлашмоқ.

2 *кўчма* Мазмуний ёки бадиий жиҳатдан саёзлашмоқ; кўп қўлланиб меъдага урмоқ, жонга тегмоқ. *Бора-бора Қорача Ҳожибнинг ҳазиллари сийқалашиб, ҳамманинng энсасини қотира бошлади.* М. Осим, Ўтрор.

СИЙҚАЛИК Сийқа хусусиятига, хоссасига эгалик. *Тошнинг сийқалиги. Асарнинг сийқалиги.* ▬ *Умуман, адабиёт фани ўқитилганда, сийқаликдан қочиш керак.* Газетадан.

СИЙҒОҚ Кўп сиядиган, қовуғи бўш, беихтиёр сийиб қўядиган. *Сийғоқ бола.*

СИЙҒОҚЛИК Қовуғи бўшлик, беихтиёр сийиб қўйиш, сийдикни тута олмаслик. *Тунги сийғоқлик — уйқуда беихтиёр сийиб қўйиш, асосан, ёш болаларда учрайди.* «ЎзМЭ».

СИЛ [*а.* سلّ — туберкулёз] **1** Турли аъзолар, асосан, ўпкада ўзига хос яллиғланиш билан кечадиган сурункали юқумли касаллик; туберкулёз. *Ўпка сили. Суяк сили. Сил шифохонаси.* ▬ *Тамаки тутуни таркибидаги заҳарли моддалар турли хил ўпка хасталиклари — бронхит, сил, рак касалликларига олиб келиши мумкин.* Газетадан. *Сут ўпка яраси ва силга қарши ишлатиладиган халқ дори-дармонидир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Сил бўлмоқ 1**)** сил касалига йўлиқмоқ; 2) *кўчма с. т.* жуда сиқилмоқ, зерикиб, қон бўлиб кетмоқ. *[Фотима ўз-ўзига:] Ҳеч бир киши билан сўзлашмасдан, сил бўлишга яқин келдим.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси. **Сил касали** *(ёки* **касаллиги***) айн.* **сил**. **Сил қилмоқ** 1) сил касалига йўлиқтирмоқ; 2) *кўчма с. т.* юрагини сиқавериб, тоқатини тоқ қилиб юбормоқ. *Сил қилиб юбормоқ.* ▬ *Пошшахонинг жаҳлига теккан яна бир нарса — Султонхоннинг бепарволиги! Шу бепарволик, шу ўйнаб-кулиб юришлар Пошшахонни сил қилади, сил!* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Юрагимда қабоҳат армон бўлди, Бунинг захматлари мени сил қилди.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Шу касал билан оғриган бемор. *Силларни даволамоқ. Силларни изоляция қилмоқ.*

СИЛА I *рвш.* Идишнинг чети, лаби, оғзи билан баравар қилиб. *Косани сила қилиб тўлдирмоқ. Ошга сила уч пиёла гуруч солмоқ.*

СИЛА II Олабуға балиқлар оиласига мансуб, денгиз, дарё ва кўлларда яшайдиган, овланадиган балиқ.

СИЛАБ-СИЙПАБ *рвш.* **1** Бирор нарса устидан, юзасидан қўлни аста юргизиб, силаб. *Бир хаёли унинг ёнига боргиси, тиззаси устида турган қўлини силаб-сийпаб, кечирим сўрагиси келди.* «Ёшлик». *Ошпаз қадрдонининг қоқсуяк елкаларини силаб-сийпаб кўришар экан: -Ранжитганим учун кечир, бу гал мандан ўтди, ўртоқ, — деди овози қалтираброқ.* «Ёшлик».

2 Силлиқлаб, пардоз-андоз қилиб, у ёқбу ёғини тўғрилаб. *-Кийимларимни кийиб, ўзимни силаб-сийпаб бинойидай бўлиб, бозор томон жўнадим, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 *кўчма* Енгил, оҳиста тегиб, уфуриб. *Енгилгина шўх еллар, Қанот силкиб учади. Силаб-сийпаб юзларимни, Бўйларимдан қучади.* Т. Тўла.

4 Силаб ва сийпаб, эркалатиб, ардоқлаб. *Болани силаб-сийпаб эркалатмоқ.*

5 Алдаб-сулдаб, йўлини қилиб. *Материал йўқ. Ҳатто муҳтарам сайёҳ учун ҳам материал тополмай, жума куни келинг, деб силаб-сийпаб жўнатганимни кўрдингиз-ку!* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

СИЛАМА: силама сандиқ Мол-дунё билан лиммо-лим тўлдирилган сандиқ; сандиқ тўла. *Силама сандиқ мол.*

СИЛАМОҚ 1 Устидан кафт юргизмоқ, сийпамоқ. *Дарға оппоқ соқолин силаб, Қараб қолди бўлиб паришон.* Э. Раҳим. *Инобат, худди бўғилиб кетаётгандай, рўмолини ечиб, томоғини силади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Устидан қўлини астагина юргизиб, сийпаб эркалатмоқ. *Ғуломжон отхонага кириб, тўкилган бедаларни охурга териб солди, қоронғида ҳам саманининг пешонасини силаб, суйиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Майин, оҳиста тегмоқ (шамол, ел, шабада ҳақида). *Ариқлар бўйида майсалар шивирлашарди, шабада қирмизи юзларни силаб, қўшиқ куйларди.* Газетадан. *Майин эсаётган шамол.. дарахтлар соясида югуриб бораётган Саодатнинг юзини, сочларини силаб ўтади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

Бошини (*ёки* **пешонасини) силамоқ** *қ.* **бош.** *Нодира онаси ўрнида Анварнинг бошини силади, ювиб-таради ва Анварнинг истиқболи учун қайғурди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Нон** (*ёки* **пахта) силамоқ** *этн.* Даволаш мақсадида танадаги оғриқ жой устидан нон ёки пахтани босиб-босиб қўймоқ, айлантирмоқ, сийпамоқ.

СИЛЕН *бот.* Чўлда ўсадиган ва қумни яхши ушлайдиган кўп йиллик бошоқли ўт.

СИЛЖИМОҚ 1 Жойидан қўзғалмоқ, сурилмоқ. *Нарироқ силжимоқ.* ▬ *Ҳозир Криловнинг машҳур масали эсимга тушди: оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа аравани уч тарафга тортади-ю, арава ҳеч силжимайди.* «Шарқ юлдузи». [*Бўлим мудири] Шундай кулдики, юпқа гардишли кўзойнаги силжиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 *кўчма* Кетмоқ, жўнаб кетмоқ. *[Офтоб ойим:] Янглишяпсиз, ойи! — [Ўзбек ойим:] Янглишсам, янглишмасам, Кумуш бу уйдан силжимайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бир тарафга қараб ҳаракатланмоқ, илгариламоқ. *Поезд жанубга қараб силжир эди.* Газетадан. *Эримбет чўккалаганича, эшик томонга силжиди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Туманлар силжийди мисли оқ уюр, Парчин булутлару ўтлоқлар бедор.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

4 Сизиб ўтмоқ, сизмоқ, сизғимоқ. *Шипдан сув силжиб томчиламоқда.* ▬ *Қалин ток барглари орасидан силжиган қуёш нурлари унинг юзида, сочларида товланиб ўйнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Ривожланмоқ, илгари босмоқ. *Таржима назарияси сўнгги даврда жиддий тарзда олдинга силжиди.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Шу тарзда ишлар жуда секин силжиди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СИЛЖИШ 1 Силжимоқ фл. ҳар. н. *Йўлчи учун Мирзакаримбойникидан силжиш — Гулнордан айрилиш демак эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Яхши томонга ўзгариш, олға босиш. *Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам ижобий силжишлар рўй берди.* Газетадан. *Чиннисозларнинг ишида жадаллик, силжиш бор.* Газетадан.

3 *махс.* Модда ёки жисм қатламларининг (қисмларининг) бир-бирига нисбатан сурилиши, кўчиши. *Сейсмик силжиш. Муз қатламларининг силжиши.*

СИЛИКАТ(ЛАР) [*лот.* silex, silicis — чақмоқтош] **1** Таркибида силикат (кремний) кислота тузлари бўлган минераллар (дала шпати, слюда ва ш. к.). *Сунъий силикатлар.* ▬ *Кўпчилик силикатлар кимёвий жиҳатдан барқарор; улар кислоталар таъсирига чидамли.* «ЎзМЭ».

2 Шундай минераллардан тайёрланган материаллар (шиша, чинни, цемент, ғишт ва ш. к.). *Силикат бетон. Силикат бўёқлар.* ▬ *Силикат ғишт силлиқ ва кўркам бўлганидан, устидан пардоз бериш талаб этилмайди.* «ЎзМЭ».

СИЛИЦИЙ [*лот.* silicium < silex, silicis — чақмоқтош; кремний] *айн.* **кремний**.

СИЛКИЛАШМОҚ 1 Қийишмоқ, талашмоқ, талашиб-тортишмоқ (савдода, битишувда). *-Бир қанча силкилашишлардан кейин бой менга хизмат ҳақи учун ойига она сутидан ҳалол икки пуд ун, хом-пишиқ аралаш етти қадоқдан олма берадиган бўлди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Айтишиб қолмоқ, сен-менга бормоқ, ади-бади айтишмоқ. *Арзимаган нарсага силкилашиб қолишибди.*

3 Бел олишувда, курашда бир-бирини силтамоқ, силтаб тортмоқ, тортишмоқ. *Полвонлар бир-бири билан силкилашди.*

СИЛКИМОҚ Куч билан у ён-бу ёнга силтамоқ, кескин тебратмоқ. *Қизнинг назарида, она перронда ҳамон рўмол силкиб тургандек эди.* С. Аҳмад, Меҳрибон. *Майсаларни силкиб, шитирлаб бирдан Югуриб ўтди ел — безовта, сергак.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Сидиқжон эгарга яхшироқ ўрнашиб, отнинг жиловини силкиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бош силкимоқ 1) бош(ни) қимирлатмоқ. *Турсунбой ота эгарга қийшиқ ўтириб, хиргойи қила бошлади. От қўшиқ мақомига бош силкиб, аста-секин йўртиб кетмоқда.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) бошни қуйига ҳаракатлантириш билан тасдиқ ишорасини қилмоқ. *Секретарь ҳам унинг гапини тасдиқлагандек, вазмин бош силкиб қўйди.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди. **Этак силкимоқ** *айн.* **этак қоқмоқ** *қ.* **этак. Қанот силкимоқ** *айн.* **қанот қоқмоқ** *қ.* **қанот 1**. **Қўл силкимоқ** 1) қўлни ҳавода у ён-бу ёнга тебратмоқ. *Ҳамма кўчада. Ҳамма унга оқ йўл тилаб, қўл силкимоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) *айн.* **қўл силтамоқ** *қ.* **силтамоқ**. *Али тажанг умидсизларча қўлини силкиб, туриб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

СИЛКИНИШ Силкинмоқ фл. ҳар. н. *Суҳбат шунчалик қизиган эдики, ташқарида бўралаётган қор бўрони билан палаткаларнинг силкиниши унча сезилмас эди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

Ер силкиниши *айн.* **зилзила 1.** *Ер силкиниши ҳозир ҳам жуда катта талафотларга сабаб бўлмоқда.* Газетадан.

СИЛКИНМОҚ 1 Силкимоқ фл. ўзл. н. *Ой тепага келган. Тол барглари шабадада силкиниб йилтирайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Арава ғижирлаб борар, гап мавзудан мавзуга кўчар, Турғуной гапга аралашолмай, бедалар ичида бир боғ бедадай силкиниб борар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Машина бир силкиниб юриб кетди.* Э. Раимов. Ажаб қишлоқ.

2 Ўз гавдасини кескин кўтариб туширмоқ, қаттиқ тебранмоқ. *Туя силкинса, бир эшакка юк тушар.* Мақол. ■ *-Қўшиқ айтсанг-чи, Турғуной, — деди Мастон бир силкиниб, устидаги юкларини яхшироқ ўрнаштириб.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Толипов жон ҳолатда силкиниб, қичқириб юборди.* «Шарқ юлдузи».

СИЛКИТМОҚ 1 Силкимоқ фл. орт. н. *Аҳмаднинг тили калимага келмай қолди, «йўқ» деган маънода бош силкитди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Дутор қуруққина йиғламас эди, балки бутун коинотни «зир» эттириб ва хаста юракларни «дир» силкитиб йиғлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ларзага солмоқ. *Момақалдироқдай кўкни силкитиб гумбурлаётган тўп отишмасини эшитди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

СИЛКИШМОҚ 1 Силкимоқ фл. бирг. н. *Станция биқинидаги қувурлар устида қизлар қўшиқ айтиб ўтиришарди. Улар Моҳидил билан қўл силкишиб кўришишди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *айн.* **силкитмоқ.** *-Зарари йўқ, — деди Каримий, бир бош силкиш билан пешонасидаги сочларини орқасига ташлаб.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СИЛЛА: силласи қуримоқ 1) куч-қуввати кетмоқ, ниҳоятда чарчамоқ, тинка-мадори қолмаслик. *[Аматжоннинг] Силласи қуридими, қорни очдими, кичкина кетмонни елкасига ташлаб, капа томон юрди.* С. Сиёев, Аваз. *Бу ерлардан эртага ҳам дон олиш керакми? Ким экади, ким ўради, ким янчади? Силласи қуриган аёлларми, эти устухонига ёпишган болаларми?* Т. Малик, Ажаб дунё; 2) *кўчма* ёмон, ночор аҳволга тушмоқ. *Мутрибнинг ҳазилнамо байтида Аваз йўқчилик, фақирликдан силласи қуриган, аммо кўнгли қаноатга тўла некбин шоир қалбини кўргандек бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

СИЛЛАБИК [*юн.* syllabikos < syllabe — бўғин]: **силлабик ёзув** График белгилари бўғин ҳосил қилувчи фонема ёки фонема қўшилмаларини ифодалайдиган ёзув. *Энг кейин шаклланган силлабик ёзувлардан япон ва корейс ёзувларини кўрсатиш мумкин.* «ЎзМЭ». **Силлабик шеър тизими** Ҳар сатрда бўғинлар сони бир хил, тенг бўлишига асосланган шеър тизими. *Демак, силлабик шеър тизими ўзбек шеъриятига хос бўлган асосий шеърий тизимдир.* «ЎзМЭ».

СИЛЛИҚ 1 Текис, теп-текис, ғадир-будурсиз. *Тош шу қадар силлиқки, гўё ҳайкалтарош хўп ҳафсала билан йўнган-у, кўтаролмай ташлаб кетган дейсиз!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шерали Оғажонга қўл узатиб кўришаркан, унинг хотинларникидек силлиқ юзига.. қараб, эшитилар-эшитилмас «ғоят мамнунман», деб қўйди одоб юзасидан.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Сирпанчиқ, сирғанчиқ, ойнадек. *Силлиқ муз.* ■ *[Бектемир] Нам, силлиқ қияликдан сирпаниб, яна сувга «шалоп» этиб тушди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Бежирим, текис, жилоли. *[Жўрахоннинг] Дурраси силлиқ сочларидан сидирилиб, пастга тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма с. т.* Қад-қомати келишган, бежирим, чиройли. *Сирти силлиқ жувон.* ■ *Дуруст, силлиққина йигит экан, деб ўйлади у юраги тирналиб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Олимхон замонасига мувофиқ, олифтанамо, ёшига нисбатан чиройли, силлиқ киши эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Камчиликсиз, равон (тил, услуб, нутқ ва ш. к. ҳақида). *Силлиқ услуб. Силлиқ гапирмоқ. Силлиқ нутқ.* ■ *Поччаевнинг тўғри, силлиқ гаплари узоқдан дона-дона янграб эшитиларди.* А. Мухтор, Туғилиш.

6 Кишига ёқадиган, қаттиқ тегмайдиган, юмшоқ. *Силлиқ муомала.* ■ *[Собир ака:] Силлиққина қилиб жавоб бердим. Сен нима дейсан, аяси?* О. Ёқубов, Пьесалар.

7 Муаммосиз; кўнгилдагидек, тўсиқсиз; бекам-кўст; бежанжал. *Аммо олдиндан тузилган режалар ҳамиша ҳам силлиққина амалга ошавермайди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Бу учинчи хотинимдан ҳам хамирдан қил суғургандек — силлиққина қутулмоқчи эдим, бироқ отим ишнинг пачавасини чиқариб қўйди.* «Муштум».

Силлиқ кўчмоқ Бетўсиқ, қаршиликсиз, бежанжал бажарилмоқ, ечимини топмоқ (бирор хатти-ҳаракат ҳақида). *Ишнинг силлиқ кўчаётганидан боши кўкка етган Вафо аттор: «Хўш, хўш, бажонидил, бажонидил», дея у билан узоқ хайрлашди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

8 Товушсиз; сездирмасдан. *Алимардон мушукдай силлиққина кириб келганини ва синф журналини алмаштираётганини ҳеч ким сезмай қолди.* Газетадан.

9 *махс.* Бир текисда, бир маромда, равон, шовқинсиз. *Тўғри, ишни қойил қиласан, машиналар доим силлиқ айланади.* Ф. Мусажонов, Камтарин ишчи.

Сувдан силлиқ чиқмоқ Бирор жанжалли ёки жиноий ишдан беайб тарзда, жавобгарликсиз қутулмоқ. *У ташвишдан, тўғрироғи, жавобгарликдан ўзини холи қилиш мақсадида танқид қилинган ва қилинмаган чойхоналарнинг деярли ҳаммасини беркитишни.. лозим топди. Мўминов гўё бу билан сувдан силлиқ чиқмоқчи бўлди.* Газетадан.

СИЛЛИҚЛАМОҚ 1 Турли материаллар (металл, тош, ёғоч ва б.) га ишлов бериш билан уларни силлиқ қилмоқ, сайқал бермоқ. *Тошни силлиқламоқ. Яхмалакка сув сепиб силлиқламоқ.* ▬ *У толдан қилинган янги кетмон сопини ойна билан қиртишлаб силлиқлар, хаёлида эса Эралини ачитиб олаётган эди.* А. Муҳиддин, Ғанишер.

2 *кўчма с. т.* Қайта ишлаб, камчиликлардан холи, бекам-кўст, равон қилмоқ. *Услубни силлиқламоқ. Тилни силлиқламоқ.* ▬ *Гулнор ўз дўсти, сирдоши Зайнаб билан маслаҳатлашиб, Йўлчига хат ёзишга қарор қилган ва сўзларини айтиб турган; отин қиз эса, Гулнор сўзларини силлиқлаб, қоғозга кўчирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Қўпол, дағал гапни тўғриламоқ, юмшатмоқ. *-Дадангиз шунчалик деган бўлсалар, худо хайр берсин, — деди Сидиқжон, қўпол равишда айтган гапини силлиқлаш учун..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СИЛЛИҚЛИК Текис эканлик, бежиримлик; равонлик. *Юзнинг силлиқлиги.* ▬ *У [Нусратбек] онасининг.. қаттиқ қўлларини уқалаётганида, ўзининг қўллари оппоқ, семиз, силлиқлигини сезиб уялган эди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Хушмуомалалик, юмшоқлик; осонлик. *Шу орада ғаламис оралаб, илоннинг ҳақини еган, деган гап чиқиб қолди. Силлиқлик билан, ўз аризамга биноан қуён бўлиб қолдим.* С. Аҳмад, Сайланма.

СИЛЛИҚЛОВЧИ 1 Силлиқламоқ фл. сфдш.

2 Буюмларга сайқал берувчи, сайқалловчи ишчи, уста.

СИЛЛОГИЗМ [*юн.* syllogismos — ҳисоблаш, ҳисобга олиш, хулоса чиқариш] Ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи — янги қатъий мулоҳаза ҳосил қилиш; дедуктив хулоса чиқариш тури. *Силлогизмнинг таркиби хулоса асослари ва хулосадан ташкил топган.* «ЎзМЭ».

СИЛЛОГИСТИКА [*юн.* syllogistikos — хулоса чиқарувчи] Анъанавий формал мантиқнинг дедуктив хулоса чиқариш қоидаларини ўрганувчи бўлими. *Замонавий математик мантиқда силлогистика алоҳида бўлим сифатида ажратилмайди.* «ЎзМЭ».

СИЛОВСИН 1 *зоол.* Мушуксимонлар оиласига мансуб, оёқлари узун, тумшуғи чўзиқ, кўзи жуда ўткир йиртқич ҳайвон. *Тоғда силовсинни ҳам, қоплонни ҳам кўрдик.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Ҳозир ҳам оёғидаги силовсин терисидан тикилган енгил ва чидамли чориққа, сарғиш комбинезон шим ва костюми устидан кийиб олган нимча пўстинига, елкасига осиб олган сафар халтасига қараган киши уни альпинистдан ажратиши қийин.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Шу ҳайвоннинг териси, мўйнаси. *Бек бўлиб.. силовсин тўн, зарли камар бойладинг.* «Хушкелди».

СИЛОН Бўри ва итдан туғилган дурагай (гибрид).

СИЛОС [*исп.* silos — дон сақланадиган ўра] *қ. х.* Чорва моллари учун ўт, маккажўхори, картошка, кунгбоқар ва ш.к. ларнинг кўк пояларидан махсус йўл билан тайёрланадиган тўйимли ем, озуқа. *Силос бостирмоқ.* ▬ *Ҳосил мўл, тобида силос қилмасанг, шираси камайиб.. кетади.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Силос, асосан, маккажўхори, оқ жўхори поясидан ёки пояси ва донидан тайёрланади.* «ЎзМЭ».

СИЛОСХОНА [силос + хона] Силос бостириладиган иншоот, чуқур, ўра ва ш. к. *Силосхоналарга маккажўхори кўкпояси узоқ вақт тўкилса, силоснинг сифати бузилади.* Газетадан.

СИЛОҲ [*а.* سلاح – қурол, қурол-аслаҳа; қўшин тури] *эск. кт.* Қурол-яроғ, аслаҳа. *Душманимиз ҳануз силоҳини тарк этмади.* Ойбек, Навоий.

СИЛСИЛА [*а.* سلسله – занжир; қатор, саф; тизим] *кт.* **1** Маълум тартибда кетма-кет тизилган нарсалар. *Тоғлар силсиласи.* ▬ *Деразалардан қорга кўмилган дарахтлар, томлар, дала ва узоқда тоғ силсиласи кўринади.* Уйғун, Ҳуррият. *Бу – Кўҳсиёҳ. Унинг остида яланғоч қўнғир қоялар силсиласи..* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Бирин-кетин содир бўлувчи ҳодисалар тизмаси, занжири. *Ҳаёт силсиласида Олтин ҳалқа дегудек, Одамлар, ёш онани Қутлаб қўйингиз бу чоқ.* А. Исроилов, Биз – дунё одамлари. *Унинг барча романлари, энг аввало, тарихий-социологик йўсиндаги тадқиқотлар силсиласидир.* «ЎТА».

3 Сулола; шажара. *Бағрига қон шимган бу қадим тупроқ Кўп кўрган авлодлар силсиласини.* А. Исроилов, Биз – дунё одамлари.

СИЛТАМОҚ 1 Куч билан кескин тортмоқ ёки итармоқ. *Отнинг жиловини силтамоқ. Варракни силтаб тортмоқ.* ▬ *Анвар аллақачон ерга сакраб тушган, эшикни силтаб юборган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *[Йигит] «Шуни тўлдириб ун кўтариб келаман», дегандай катта қопини силтаб, елкасига ташлади.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Қиз ҳам ўйнаб турган сочини силтаб, орқасига ташлади-ю, унинг кўзларига тик қаради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма* Сўзини кесмоқ; жеркимоқ. *Эрталаб [Сотти] кампирнинг қулоғига шивирлаётган эди, кампир уни силтаб ташлади: -Болам, бу одатингни ташла.* С. Аҳмад, Сайланма. *Арзимас нарсага унинг [Шакарнинг] чарслиги тутиб, болани силтайдиган, қарғайдиган қилиқ чиқарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

Орқага силтамоқ *қ.* **орқа. Этак силтамоқ** *айн.* **этак қоқмоқ** *қ.* **этак. Қўл силтамоқ** 1) қўлни кескин силкитиб, норозилик, жаҳл, умидсизлик каби маъноларни ифодаламоқ. *-Бас, кўп вақиллама! – деди махдум қўл силтаб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Низомиддинов жаҳл билан қўл силтади.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) бепарво бўлмоқ; воз кечмоқ. *Шундан кейин ҳақли савол туғилади: бугун улкан зафарлар олдида боғлардан кечдик, булбулу қушларга қўл силтадик. Эртага-чи?!* Газетадан; 3) эътиборсизлик, масъулиятсизлик билан қарамоқ. *Болалар тарбиясига қўл силтаган шахс келажак олдида жавобгардир.* Газетадан.

СИЛТАНМОҚ 1 Силтамоқ фл. мажҳ. н.

2 Силтамоқ 1 фл. ўзл. н. *Холида қўлимдан беҳолгина силтаниб чиқди-ю, япроқлари оқшом шабадасида оҳиста силкиниб турган ўрик тагидан бурилиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлди.* Ў. Ҳошимов, Хаёлларга бўламан туткун. *Шу пайт машина силтаниб, жойидан жилди..* М. Мансуров, Ёмби.

Кейинга (*ёки* **орқага**, **ортга**) **силтанмоқ** 1) ривожланмаслик; судралмоқ; орқада қолмоқ. *Ишимиз олға силжиш ўрнига орқага силтанаётгандай бўларди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси; 2) орқага сурилмоқ, кечиктирилмоқ. *Тўйнинг кейинга силтаниши.. эса тақдир иши..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СИЛТОВ 1 Силтамоқ фл. ҳар. н. *Қўл силтови.*

2 Кескин тортиш, кўтариш ёки итариш; кескин қўл ҳаракати. *Илкис бир силтовдан арқон чирт узилди.* «Шарқ юлдузи». *Уларни ажратмоқчи бўлганлар яна силтов еб, четга чиқишар эди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

3 *кўчма* Туртки, баҳона, сабаб. *Тўй силтови билан тўн битар.* Мақол. ▬ *-Бугун театрда яхши нарса бор. Кўриш керак, – Карим уларни тўхтатмоқчи, шу силтов билан Ойтўтини олиб қолмоқчи бўлди.* Ойдин, Ҳикоялар.

4 Қаттиқ гап, туртки, жеркиш. *[Нодирнинг] Келинойисига нисбатан илтифотсизлиги билиниб турса ҳам, айтганини бажарар, ҳатто дағдаға, силтовларига бутунлай ўрганиб қолгандай эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СИЛУЭТ [*фр.* silhouette – ёндан кўриниши сояга ўхшатиб карикатураси чизилган француз давлат арбоби Эде Силуэт (18-аср) номидан] **1** Шакл ва нарсаларнинг текис юзада яратилган бир тусдаги тасвири.

2 Нарсалар ва қиёфанинг унинг соясига ўхшатиб чизилган шакли. *Силуэт билан Германияда Ф.О. Рунге, А. Менцель, П. Коневка; Россияда Ф.П. Толстой, Е.М. Бем ва бошқалар шуғулланган.* «ЎзМЭ».

3 *кўчма* Шарпа, қора, кўзга чалинган нарса. *Тоғ силуэти.* ▬ *Чироқ шуъласида икки хотиннинг юзи, бурунлари бир-бирига те-*

гар даражада яқин. Четдан қора силуэтдай кўринар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўчадан кузатган киши кўзига аҳён-аҳёнда уйнинг у ёқ-бу ёғига юраётган киши силуэти чалинади.* Газетадан.

СИЛҚИМОҚ 1 *с. т.* Сирқимоқ, сизмоқ; томчиламоқ. *Умри опа силқиб келаётган кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб, Боқижоннинг пешонасини силади.* Газетадан. *Шохшабба орасидан сув силқиб томчиларди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Аста тўпланиб чиқмоқ; пайдо бўлмоқ. *Булар, албатта, шоиранинг юрагидан силқиган азиз ва қадрдон ҳис-туйғуларнинг бир зумгина оройиши, ўйчанлик ва сокинликдир.* «ЎТА».

СИЛҚОВЛАНМОҚ Ҳолсизланмоқ, мадорсизланмоқ, ҳаракати сусаймоқ. *Нуқра бу гапни ҳеч кимга айта олмади. Унинг силқовланиб юргани сабабини билолмай эри ҳам фиғон бўларди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар.

СИМ I [*ф.* سیم – металл чивиқ, ип; кумуш] **1** Ип, чилвир, чивиқ кўринишдаги узун металл буюм. *Пўлат сим. Мис сим. Йўғон сим. Ингичка сим. Сим тўр. Сим ғов.* ▬ *[Ҳожар:] Нима? Оғзингизни ёпинг! Молхонага сим билан тортиб қўяман, остонадан ўлиги чиқади.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Йўл чеккасидаги янтоқлар худди занг босган симдай қовжираб ётар.. эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

Тиканли сим Ғов, тўсиқ учун ишлатиладиган махсус сим. *Ҳар қадамда.. танкка қарши қазилган чуқур, бир неча қатор тортилган тиканли сим..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Электр ёки телефон линиясига тортиладиган ўтказгич. *Электр сими. Телефон сими. Сим тортмоқ.* ▬ *Вагонлар ўнтача келади. Уларнинг тепасидан бир-бирига электр сими тортилган.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

Сим қоқмоқ *с. т.* Телефон орқали гаплашмоқ, телефон (қўнғироқ) қилмоқ. *[Назокат] Кечга яқин сим қоқди. Ҳимматилла у билан жуда яхши гаплашди.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

3 Мусиқа асбобларининг металл ипи; металл тор. *Танбур сими.* ▬ *Агар алдамаса шу совуқ симлар, Гар шул эшитганим бўлмаса рўё, Сен она эмассан, дорсан, табиат, Сен бешик эмассан, жаллодсан, дунё!* А. Орипов.

4 Симдан ясалган, тўқилган. *Виктор шундай деди-ю, эски сим каравот тагидан сандиқдек зил-замбил чамадонини тортиб олди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Этакдаги сим тўр ортида товуқлар қақағлайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Сим жўяк *шв.* Сим хаткаш ёрдамида тортилган жўяк, ариқ.

СИМ II *кт. айн.* **сийм**. *Хазинанинг симу зарга эҳтиёжи не даражада!* Ойбек, Навоий.

СИМБАР *поэт. айн.* **сиймбар.** *Осмонга қарасам – юлдуз ўйнайди, Ерга боқсам – ёр кетишга қўймайди. Юзига қарасам холи ярашиб, Симу симбарига кўзим тўймайди.* «Қўшиқлар». *Сарвқомат нозик ситора, Оппоқ томоқ, қора қош симбар, Бир-бирига интиқ икки дил, Бир-биридан олис икки жон.* М. Али, Боқий дунё.

СИМБАТ *фольк. айн.* **сумбат.** *Менга ҳам берибди сину симбатни, Мен не қилай давлати йўқ келбатни?!* «Равшан».

СИМБИОЗ [*юн.* symbiosis – биргаликда яшаш] Икки ва ундан ортиқ турларнинг бир-бирига фойда келтириб бирга яшаши. *Худди шунга ўхшаш симбиоз кавш қайтарувчи сутэмизувчилар билан улар орасида яшайдиган инфузориялар орасида ҳам мавжуд.* «ЎзМЭ».

СИМВОЛ [*юн.* symbolon – белги, рамз; аломат; тимсол] **1** *айн.* **рамз 1.** *Оқ каптар – тинчлик символидир.*

2 Кимёвий элементга берилган лотинча номнинг қисқартирилган шакли. Мас., Na – натрий элементининг, N – азот элементининг символи.

3 Бирон-бир ғояни ўзида мужассамлаштирувчи бадиий образ.

4 У ёки бу фанда қабул қилинган бирон-бир катталикнинг, бирликнинг шартли белгиси. *Кимёвий символлар.*

СИМВОЛИЗМ [*юн.* symbolon – белги, рамз; тимсол] **1** Символлар, рамзлар мажмуи.

2 19-аср охири – 20-аср бошларида дастлаб Францияда, кейин Европанинг бошқа мамлакатларида пайдо бўлган адабий оқим [Символизмда белги, рамз (символ) поэтик образлиликнинг чўққиси, ғоянинг энг мукаммал ифодаси сифатида намоён бўлади]. *Символизмнинг юзага келиши Париж Коммунаси тугатилгандан кейин француз воқе-*

лигида вужудга келган ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ. «ЎзМЭ».

СИМВОЛИК *эск. айн.* **рамзий**. *Символик тасвир. Символик образ.*

СИМВОЛИСТ Символизм тарафдори, символизмга амал қилувчи киши.

СИМВОЛИСТИК 1 Символизмга ва символистга оид, символизм руҳидаги. *Символистик асар.*

2 Символик, рамзий. *Символистик образ.*

СИМДЎЗИ [*ф.* سیمدوزی – кумуш ипда тикилган] Зардўзликда бадиий буюмлар кашта гулларини оқ ёки зарҳалланган кумуш ипда қоплаб тикиш усули.

СИМЁН 1 Ориқ, рангпар, пачақ одам. *Туф де, кўзинг тегади, касофат! Шу сўзингни менга айтсанг, тишингни суғуриб олардим. Кошкийди менда тиш бўлса-ю, сенда гавда, симён.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма сўк.* Ярамас.

СИМЁҒОЧ Электр симларини ўтказиш учун ерга тик ҳолатда ўрнатилган баланд, йўғон хода. *Алишер дарвозамиз олдидаги симёғочга суянганча, йиқилган машинани томоша қилиб турган экан.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Симёғоч учига ўрнатилган лампочка ёруғида ҳовуз суви ялтираб кўринади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

СИМИЛЛАМОҚ 1 Сирқирамоқ, зирқирамоқ. *Оёқларим симиллаб оғрияпти.*

2 *шв. айн.* **имилламоқ.**

СИМИРЕНКО [украин олими Л. П. Симиренко номидан] Пўсти яшил, эти кўкимтир-оқ, серсув, хушбўй кечпишар олма нави. *Ўзбекистонда симиренко нави 20-асрнинг 70-йилларида боғларда ўстирилиши жиҳатидан 1-ўринни эгаллаган.* «ЎзМЭ».

СИМИРМОҚ 1 Ичга тортиб ичмоқ. *Қимизни симирмоқ.* ▬ *Валиев илиб қолган чойни симирди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Отанинг қўлига бериб қўбизни, Кетидан тутдилар тўла қимизни. Симирди-да, ота қўбизни тортди, Эшитганлар чуқур завқларга ботди.* М. Алавия.

2 Чуқур нафас билан ичга ютмоқ. *Тоза ҳаводан симирмоқ баҳонасида Расулжон тезроқ ҳовлига чиқа қолди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ота райҳон ҳидини симирди.* А. Эшонов, Ота.

3 *кўчма* Мириқиб вужудига сингдирмоқ; туймоқ; руҳан ҳис қилмоқ. *[Султонмурод] Ишқ дардини тотли май каби симирмоқдан гўё лаззатланади.* Ойбек, Навоий. *Шеър зулолидан симирдим бир пиёла тўлдириб, Воҳ, кўринди менга ҳар бир қатраси уммон қадар.* Э. Воҳидов.

Сув келса симириб, тош келса кемириб Ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, уларга бардош бериб. *Ўлиб-тирилиб, тиришиб-тирмашиб, сув келса симириб, тош келса кемириб, эндигина одам қаторига кирдим.* Х. Султонов, Отамнинг юрти.

СИМКОР [*ф.* سیمکار – ҳунармандларнинг ўз шогирдларига тўлайдиган иш ҳақи] *тар.* **1** Хўжайинлар томонидан шогирдларга ёки ёлланиб ишловчи ҳунармандларга ишбай асосида тўланган иш ҳақи. -*Йўқ, йўқ – деб кулди уста Олим, – мен сизга ўхшаб дўконнинг устида сира тухум босган эмасман, симкорни кўзим қиймайдир, десангиз мен ишонар эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ишбай асосида иш ҳақи олиб ишловчи шогирд ёки ҳунарманд. *Эсимда, ёшлик чоғимда шаҳардаги симкорлар иш ташлаганлар, боёнларнинг кўпи ён берган.* У. Исмоилов, Сайланма.

СИММЕТРИК Симметрия қонунлари асосида жойлашган ёки ясалган; симметрияга эга бўлган. *Симметрик бино. Симметрик шакл.* ▬ *Тенглик типидаги (мас., айният, эквивалентлик, ўхшашлик) муносабатлар ҳам симметрик бўлади.* «ЎзМЭ».

СИММЕТРИКЛИК 1 Бирор нарса, предмет қисмларининг симметрия ҳолатида бўлиши. *Иншоот қисмларининг симметриклиги.*

2 *мат.* Икки ўринли, икки ҳадли муносабатларнинг хоссаси.

СИММЕТРИЯ [*юн.* symmetria – ўлчовдошлик; мутаносиблик, мослик] Бирор нарсанинг маълум нуқта, тўғри чизиқ ёки текисликка нисбатан қарама-қарши томонларда бўладиган қисмларининг жойлашишидаги мутаносиблик, ўхшашлик, мослик, уйғунлик. *Симметрия маркази. Симметрия ўқи. Симметрия ҳолатини сақламоқ.*

СИМОБ [*ф.* سیماب – кумуш суви] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оддий температура шароитида суюқ ҳолда бўладиган кумушранг оғир металл. *Симоб кумуш рангли, суюқ ва тез буғланувчи металл бўлиб, ўзининг суюқлиги ва текис юзада.. ҳаракат-*

ланиши билан бошқа металлардан фарқ қилади. «Фан ва турмуш». *Ёниб бўлаёзган шам шуъласида шайхнинг мижжаларида ёш томчилари симоб зарраларидай милтираб турарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

СИМОБИ(Й) [*ф.* سیمابی – симобдай, симобга ўхшаш] Симоб рангидаги, кумушранг; кумушсимон оқ ялтироқ. *Симоби салла.* ▬ *Робия товонига тушадиган узун симоби чакмонини бошига ёпинди-ю, Тоҳирнинг отига мингашиб чиқиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бошига симобий салла, эгнига банорас тўн кийган бир отлиқ дарвоза олдида эгардан тушди-да, жиловни ўз хизматкорига тутқазди.* М. Осим, Ўтрор.

СИМОБЛИ 1 Таркибида, ичида симоб бўлган. *Симобли руда.*

2 Симоб воситасида ишлайдиган. *Симобли манометр.*

СИМПАТИК [*юн.* sympathes – раҳмдил, ҳамдард; хайрихоҳ]: **симпатик нерв системаси** *тиб. биол.* Одам ва умуртқали ҳайвонлар вегетатив нерв системасининг ички аъзолар фаолиятини яхшилаш, тартибга солишда иштирок этувчи, организмнинг ташқи муҳит билан таъсирлашуви учун зарур бўлган энергия ажралувини фаоллаштирувчи қисми. **Симпатик сиёҳ** Махфий ёзишмаларда қўлланадиган, фақат қизитилганда ёки махсус кимёвий эритма билан ҳўлланганда кўринадиган туссиз (рангсиз) сиёҳ.

СИМПАТИЯ [*юн.* sympatheia – раҳмдиллик, ҳамдардлик; хайрихоҳлик] Бирор шахс ёки нарса-ҳодисага нисбатан бўлган ижобий муносабат. *Фирдавсий Рустам образини зўр муҳаббат билан тасвирлаб, бутун симпатиясини унинг томонига тўкиб солади.* Газетадан. *Антитеза усулидаги тасвирда ёзувчи ёки шоир бирор шахс ёки воқеага нисбатан китобхонда симпатия ёки антипатия уйғотади.* «ЎТА».

СИМПОЗИУМ [*лот.* symposium < *юн.* symposion – мусиқа, шеър ўқиш билан ўтадиган йиғин, зиёфат] Бирор илмий масала бўйича ўтказиладиган халқаро илмий кенгаш; илмий анжуман. *Геолог олимлар халқаро симпозиуми.* ▬ *Римда ўтказилган халқаро симпозиумда маълум қилинишича, сўнгги 25 йил давомида грипп эпидемиясини юзага келтирадиган вируслар миқдори 231 тага етди.* Газетадан. *Кузда, Темурийлар даври санъатига бағишлаб ўтказилган ЮНЕСКО симпозиуми арафасида, телевидениеда студентларнинг топқирлик мусобақаси ташкил қилинган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СИМПТОМ [*юн.* symptoma – воқеа, саргузашт; ўхшашлик; белги, аломат] *тиб.* Бирор касаллик ёки патологик ҳолатнинг белгиси. *Ҳар қандай касаллик симптомлар йиғиндиси (синдром) га қараб белгиланади.* «ЎзМЭ».

СИМРАЙМОҚ *с.т.* Норози, энсаси қотган ҳолда қараб турмоқ. *Нуъмон унинг орқасидан бир зум симрайиб қараб турди.* «Шарқ юлдузи».

СИМ-СИЁ(Ҳ) Қоп-қора, тим қора; қопқоронғи, тим қоронғи, зим-зиё. *Олдинда Ҳаким, орқада тўрт оғайни йўлга тушишди. Сим-сиё тун. Атроф жим-жит.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Не зотлар ўтдилар ҳасратга тўлиб, Кунлари зимистон, туни симсиё.* А. Орипов, Йиллар армони.

СИМСИЗ Сими йўқ, симдан фойдаланмай ишлайдиган. *Симсиз алоқа.* ▬ *Бондарни симсиз телефон дейишлари бежиз эмас.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

СИМ-СИМ 1 *рвш.* Симиллаб; давомли равишда. *Кунлар ўтди. Оёқ оғриғи анча босилди. Аммо энди унинг [Йигиталининг] аъзойи бадани мисдай қизиб, сим-сим зирқирайдиган, ўзи эса аҳён-аҳён лоҳас бўладиган бўлиб қолди.* С. Кароматов, Тоғ гўзали. *-Қандай оғрийди? Сим-сим оғрийдими ёки пичоқ санчгандай? – деб сўради ҳамшира.* Н. Аминов, Қалтис хато.

2 *кўчма* Бир маромда, майдалаб. *Ёмғир ёғади сим-сим.* «Ёшлик». *Ёмғир сим-сим ёғар, саман тоғнинг ёлғизоёқ йўлидан шилт-шилт босиб борар эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

СИМТАРАШ *шв.* Қашлағич.

СИМТЎР Симдан қилинган тўсиқ. *Атрофи симтўр билан ўралган майдончада болалар футбол ўйнашмоқда.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Палата жимжит эди, пашша учса ҳам эшитилади, лекин учадиган пашшанинг ўзи йўқ – деразаларнинг сиртидан майда тешикли симтўр тутилган..* М. М. Дўст, Лолазор. *Этакдаги симтўр ортида товуқлар қақағлайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СИМФОНИК [*юн.* symphonos – оҳангдош] Симфония мусиқа шакли билан боғлиқ, шунга алоқадор. *Симфоник мусиқа. Симфоник этюдлар.* ▬ *Ошхона ёнидаги сим-*

ёғочда ўрнатилган радиодан симфоник куйлардан берилаётган концерт янграрди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Симфоник оркестр Торли, пуфлама ва урма (зарбали) чолғу асбоблари ижрочиларини бирлаштирувчи оркестр.

СИМФОНИЯ [*юн.* symphonia – оҳангдошлик < syn – бирга + phone – товуш] **1** Инструментал (чолғу асбобларида ижро этиладиган) мусиқанинг симфоник оркестр учун ёзилган, одатда 4 қисмдан иборат бўладиган олий шакли. *М. Ашрафийнинг биринчи симфонияси.* ▬ *Бундан ташқари, торли оркестр, пуфлама созлар оркестри ва бошқа оркестрларга мўлжалланган симфониялар ҳам учрайди.* «ЎзМЭ».

2 *кўчма* Турли-туман товуш, ранг, оҳанг ва ш. к. нинг уйғун, ҳамоҳанг ҳолда қўшилиши, бирикиши. *Меҳнат симфонияси.* ▬ *Олмадаги майна эса, калта-калта «чахчах»и билан чумчуқларнинг бетартиб симфониясига жўр бўларди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

СИНАГОГА [*юн.* synagoga – йиғилиш; тўпланиш жойи] Яҳудийлик ибодатхонаси ва яҳудийлар жамоаси. *Ўзбекистонда ҳозир 7 та – Тошкентда 3 та, Самарқанд ва Бухорода 2 тадан синагога фаолият кўрсатади.* «ЎзМЭ».

СИНАЛГАН 1 Синамоқ фл. сфдш. *Синалган ёв – урушга яхши.* Мақол.

2 Синашта, синовлардан, текширувлардан ўтган, ишончли. *Синалган одам. Синалган қурол.* ▬ *Орадан икки ой ўтди. Улар энг яхши ва синалган разведкачилардан бўлиб қолишди.* А. Раҳмат, Соқов бола.

СИНАМАЛИ *эск.* **1** Амалда, тажрибада синаб кўрилган, синовдан ўтган.

2 *айн.* **татбиқий, амалий.** *Синамали ҳандаса (амалий геометрия).*

СИНАМОЛ Текширилган, синалган, синовдан ўтказилган, ишончли. *Синамол от.* ▬ *Ҳозир улар менга синамол эмас, ҳали бизларнинг бир-биримизга душманлигимиз бор.* «Муродхон». *-Менимча, биз.. синамол ўзгаришларни чўтга солмасдан тадбир кўрмоқдамиз, – деди Мир Алихон.* С. Азимов, Қонли сароб.

СИНАМОҚ 1 Синовдан ўтказмоқ, текширмоқ, текшириб кўрмоқ. *Тайёр машиналарни синамоқ. Синамаган отнинг сиртидан ўтма.* Мақол. *Эр йигитни майдонда сина.* Мақол. ▬ *У [Азиз Абдураззоқ] фақат шеър ёзиб қолмай, насрий ҳажвчиликда ҳам кучини синамоқда.* «Муштум. *Шилдир-шилдир қамишга сирғам тушди, ёр-ёр, Синалмаган йигитга синглим тушди, ёр-ёр.* «Оқ олма, қизил олма».

2 Бир предметни (мас, дорини, таомни) ишлатиб кўриб ёки истеъмол қилиб, таъсирини аниқламоқ. *Тоҳиржон киноя билан жилмайди: -Барча дорини синадим. Меники бедаво дард.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Имтиҳон қилиб, билим даражасини аниқламоқ. *Ўқувчиларни физикадан синаб кўрмоқ.*

4 Ўсмоқчилаб сўрамоқ, қўйнига қўл солмоқ. *Унинг [Ҳотамнинг] сахийлиги ростми, ёлғонми – синаш мақсадида, бир-икки одам ўша тулпорни сўраб, олдига боришибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

5 Бошидан кечирмоқ, ўз тажрибасида, ҳаётида кўриб билмоқ. *Қарзга йўлиққандан кўра, балойи ногаҳонга йўлиққан яхши. Ҳаммасини синадик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Синасин ўз бахтини, Бахти қўлласин уни.* Ҳ. Олимжон.

СИНАМОҚЧИЛИК Ўсмоқчилаб текшириш, синаш. *Унга [Ҳафизанинг онасига] шу керак эди – бу хабарни синамоқчилик учун ҳам айтган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

СИНАНТРОПЛАР [*лот.* Sina – Хитой + *юн.* anthropos – одам] Суяклари илк бор Хитойдан (1927–37) топилган энг қадимги одамлар. *Синантропларнинг суяк қолдиқлари билан бирга улар фойдаланган.. тош қуроллар, уларнинг оловдан фойдаланганига гувоҳлик берувчи кул ва ҳайвонларнинг куйган суяк қолдиқлари топилган.* «ЎзМЭ».

СИНАШ 1 Синамоқ фл. ҳар. н. *Машиналарни синаш. Кучини синаш. Курашда (мусобақада) куч синаш.* ▬ *Биринчи куёвнинг феълатвори унга маъқул тушмагани учун, куёв бўлажак йигитни ҳар ёқлама текширишни, синашни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **синов 2**. *Синаш стенди. Синашдан ўтмоқ.*

СИНАШМОҚ 1 Синамоқ фл. бирг. н. *Улар меҳмонни хўп синашди.* ▬ *[Қудрат:] Ҳозирча мен сиз билан бахт синашиб кўрмоқчиман.* Н. Сафаров, Уйғониш.

2 Ўзаро бир-бирини синамоқ, бир-бирининг хислат-фазилатларини яқиндан ўрган-

моқ, синаштa бўлмоқ. *Ҳамма фикру зикри, бутун борлиғи билан кенг даврада куч синашиб юрган икки зўр полвонга тикилиб қолган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СИНАШТА 1 Яхши синалган, текширилган, таниш, қадрдон, яқин. *Қоровул синашта эди, итоаткорона бош эгди: -Тушундим, хўжайин.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Пошшохон савдони синашта кишилар орқали зимдан амалга ошрадиган йўлни топди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Бошидан кечирилган, синаб, тотиб кўрилган; тажрибадан ўтказилган. *Бу дард айниқса Отабекка уч йилдан бери синашта.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИНГАЛ *қ.* **сингаллар**. *Сингал аёл.*

СИНГАЛЛАР, **синхаллар** Шри Ланка Республикасининг асосий аҳолиси. *Сингалларнинг аждодлари миллоддан аввалги 5-асрда Шимолий Ҳиндистондан кўчиб келиб, маҳаллий қабилалар билан аралашган.* «ЎзМЭ».

СИНГАРИ *айн.* **каби.** *Ҳар бир она сингари Тўқсон буви ҳам ўз ёлғизининг бахтли бўлишини истарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Оёқ босган жойлардаги шўр ерлар қор сингари ғирчиллайди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

СИНГАРМОНИЗМ [*юн.* syn – бирга + harmonia – уйғунлик, оҳангдошлик] *тлш.* Туркий тилларда ва баъзи бошқа тилларда унлилар уйғунлиги; қўшимчалардаги унлиларнинг ўзакдаги унлиларга мослашуви. *Эски ўзбек адабий тилида эса сингармонизм қонуни анча изчил ва айрим ҳолларда тўлиғича амал қилган.* «ЎзМЭ».

СИНГАРМОНИК Сингармонизмга оид, сингармонизм қоидаларига, талабларига бўйсунувчи. *Сингармоник мослашув.*

СИНГГА(К): сингга(к) нон Сингиб пишган нон. *Дастурхончи.. дастурхон ёзиб, унинг бетини тандирдан энди узилган, бўғланиб турган сингак нонлар.. билан тўлдириб ташлади.* Ойбек, Навоий.

СИНГДИРИШ 1 Сингдирмоқ фл. ҳар. н. *Абдужалил тегирмончи мулла Обид ҳақидаги ўзининг васвасасини уларга ҳам сингдиришга муваффақ бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *физ.* Ютилиш, абсорбция. *Ёруғликни сингдириш.*

3 *айн.* **ассимиляция 3**.

СИНГДИРУВЧАН *физ.* Ўзига тез сингдириб оладиган, тез ютадиган, шимадиган. *Сингдирувчан жисм.*

СИНГИЛ (*3-ш. бирл.* **сингли** *ва* **синглиси**) **1** Бир ота-онадан туғилган қизларнинг кичиги (опаларига, акаларига нисбатан). *Кичик сингил. Ўртанча сингил.* ▬ *Энди ишим ўнг бўлади: энди аям, укам, синглим зориқмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Солиҳ махдум онаси ва ўн олти ёшли Наима исмли синглиси билан Қўқонда қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ўзидан кичик қизларга, аёлларга мурожаат қилинганда қўлланадиган сўз. *-Кўп ўқигансиз, лекин кам биласиз, синглим! – деди ўқитувчи [Гавҳарга].* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Офтоб ойимни.. Ўзбек ойим ўтқазгани жой топмас, «қуда» сўзи ўрнида «синглим» деб хитоб қилар, ошни ҳам унинг раъйини сўрамасдан буюрмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қайни сингил *айн.* **қайнсингил.**

СИНГИЛЛИК Кимсага сингил мақомида бўлиш; сингил каби муносабатда бўлиш. *Сингиллик қилмоқ.* ▬ *Шуни қолипга солиб бермасангиз бўлмайди, синглим. Бир сингиллик қилинг!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СИНГИМОҚ 1 Шимилмоқ, шимилиб ёки сизиб, ички қатламга, қисмига ўтмоқ. *Мой бўёқ тахтага яхшигина сингийди.* ▬ *Улар: «Ер тўймагунча, эл тўймас, лалмикор қирларнинг тупроғига қор суви сингимагунча, буғдой унмайди», деб нолир эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Қумга сингиб кетгандай *ёки* **қумга сингиган сувдай** 1) бекорга, беҳуда, фойдасиз, нафсиз. *Шунча берган таълимларим қумга сингиган сувдай сингиб кетаверибди-да.* «Латифалар»; 2) жимжит, унсиз, шовқинсиз, сув қуйгандай. *Комбат шаҳарда мудофаа тутишга буйруқ берди. Душман қумга сингиб кетгандай жим эди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Ҳазм бўлмоқ, ўзлашмоқ (овқат, озиқ ҳақида). *-Уч тутам ҳолва, уч танга пул, – деди.. йигитча. – Агар ҳаммасини есангиз, ош бўлсин, сингисин.* С. Айний, Эсдаликлар. *Вақтида овқатланмаслик меъда шиллиқ қаватини яллиғлантиради.. натижада киши қайт қилади, еган овқати сингимайди.* Газетадан.

3 *физ.* Ютилмоқ, шимилмоқ. *Ёруғликнинг жисмга сингиши.*

4 *кўчма* Бағрига, қўйнига кириб ёки рангига, тусига ўзлашиб кетмоқ ёхуд бирдек бўлиб, изсиз йўқолмоқ. *Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уларнинг бир-бирига монанд гавдаси чироқлар нурини кесиб ўтиб, қоронғилик қўйнига сингиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 *кўчма* Ўрнашиб қолмоқ, жо бўлмоқ. *Қишлоқ муҳити, ота-онанинг ўта оқ кўнгиллик руҳида берган тарбияси Йигиталининг қон-қонига сингиб кетганди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Бу одам маҳалла ҳаётига, ҳар бир кишининг дилига кириб, шу қадар сингиб кетган эдики, отпускага ё командировкага кетса, бутун маҳалла ҳувиллаб қолгандай бўларди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Пишиб ётган боғларга боқдим, Ҳисларимга сингиб кирди куз.* Х. Даврон.

6 *кўчма* Йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; йўқ бўлиб, хотирага айланиб қолмоқ. *Йиллар қаърига сингиб кетган болалик, олисда судралиб юрган булут парчаларидек, кўз ўнгидан ўтаверади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Сингиб пишган нон Қизариб, мағзигача яхши пишган нон. *Умид дастурхон устидаги новвоту пашмак, қаймоғу асал, тандирда сингиб пишган нонларни кўриб таъсирланди.* Мирмуҳсин, Умид.

СИНГИР *айн.* **пай** I **1.**

СИНГИШ 1 Сингимоқ фл. ҳар. н.

2 *физ.* Ютилиш, абсорбция.

3 *айн.* **ассимиляция 3.** *Тилларнинг сингиши.*

СИНГИШМОҚ 1 Чуқур ўрнашмоқ, ўзлашмоқ, жо бўлмоқ, сингмоқ, сингимоқ. *Оқшом тинчлигида оламнинг бутун гўзалликлари кўнглимга сингишиб киргандай бўлади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Кўзларига ўрнашган, сингишган ғам кетмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўрганиб олмоқ, одатланмоқ; мослашмоқ. *Қарийб етти йиллик гавжум ҳаёт давомида Йигитали шаҳар шароитига бутунлай сингишиб кетган эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 Бағрига, қўйнига ёки рангига, тусига кириб йўқолмоқ; бирга қўшилиб, бирдек бўлиб кетмоқ. *Тоғлар, қирлар, далаларда оқшом тушиб, қош қорая бошлаган, атрофдаги дарахтлар, уйлар ва экинзорларнинг бари бир-бирига сингишиб, кўкимтир туман пардасига ўралаётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 *кўчма* Ўрганиш бўлиб қолмоқ, одат тусига кирмоқ, ўзлашиб кетмоқ. *[Қандолатхон] Эри устидан «ҳукмронлиги»ни Ҳусниддинга ҳам кўрсатмоқчи бўлди. Лекин Ҳусниддинга бу қилиқ сингишмай, аввал бир неча кун таъби тирриқ юрди.* Мирмуҳсин, Феълан кучсизлик.

СИНГМОҚ *айн.* **сингимоқ**. *Дилга сингди юрт муҳаббати.* Э. Воҳидов. *Намозбекни ўлдириб, қотиллар тунга сингди.* Х. Даврон.

Меҳнати сингган Кўп меҳнат сарфлаган. *Пардаев — Ватанга меҳнати сингган камтарин одам.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *[Салимхон Обидий:] Бу селекция институтига.. қанча меҳнатим сингган.* Мирмуҳсин, Умид.

СИНДИКАЛИЗМ [*фр.* syndicat — касаба уюшмаси, бирлашмаси < *юн.* syndikos — бирга ҳаракат қилувчи, ҳаммаслак] *сиёс.* Ишчилар ҳаракатида 19-аср охири — 20-аср бошларида кенг тарқалган, касаба уюшмалари (синдикат)ни меҳнаткашларни уюштиришнинг энг олий шакли деб қаровчи ва ишлаб чиқариш воситалари касаба уюшмалари ихтиёрига берилиши керак, деб ҳисобловчи оқим. *Ҳозир қатор мамлакатлардаги сўл партия ва ҳаракатларнинг ғоялари ва мафкураларида синдикализм таъсири сезилади.* «ЎзМЭ».

СИНДИКАЛИСТ *сиёс.* Синдикализм тарафдори, синдикализм йўлини тутувчи.

СИНДИКАТ [*фр.* syndicat < *лот.* syndicus — ишончли шахс, вакил < *юн.* syndikos — бирга ҳаракат қилувчи, ҳаммаслак] **1** *иқт.* Ишлаб чиқариш ва юридик мустақиллигини сақлаган ҳолда, умумий тижорий фаолиятни (нарх белгилаш, маҳсулотни сотиш, хомашё харид қилиш ва б.) амалга оширувчи корхоналар (ишбилармонлар) бирлашмаси; монополиянинг бир кўриниши. *Банк синдикати.* ▬ *Синдикат таъсис этган умумий савдо ширкати синдикатнинг ҳар бир аъзоси билан савдо-сотиқ тўғрисида шартнома тузади.* «ЎзМЭ».

2 Францияда ва б. баъзи мамлакатларда касаба уюшмаларининг номи.

СИНДИРМОҚ Синмоқ фл. орт. н. *Тош отиб, ойнани синдирмоқ. Йиқилиб, оёғини синдириб олмоқ. Иш юришмаса, буламиқ дандон синдирар.* Мақол. *Беҳуда ҳаракат*

белни синдирар. Мақол. ▬ *Акрамхоннинг онаси девори қулаётган уйдан қочиб чиқаман деб, остонага қоқилибди-да, оёғини синдирибди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Йигит охири Забаржадни ялинтириб, ғурурини синдирди.* «Ёшлик». *Ўз отам синдирди менинг шаънимни, Энажон, олиб кел шу эшонимни.* «Эрали ва Шерали».

Белини синдирмоқ *қ.* **бел** I. *Душман белини синдириш учун озмунча қурбон бермадик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Колхозчи қул эмас-ку? Бир жувоннинг тўрт ой белини синдириб топганини мен, сиз, анавилар ёзда салқин, қишда иссиқ ерда ўтириб олар эканмиз.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Илигингни** (*ёки* **оёғингни**) **синдираман** Дўқ-пўписа ибораси. *Ҳа, кўчага чиқмайсан, эшитдингми? Ҳой бола!.. Илигингни синдираман-у, касалингни боқиб ўтираверaман.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. **Нон** (*ёки* **патир**) **синдирмоқ** *айн.* **нон ушатмоқ** *қ.* **ушатмоқ. Тийин устида тиш синдирадиган одам** Жуда хасис, зиқна одам. *Малик Раҳимовни бир тийиннинг устида тиш синдирадиган зиқна одам, деб бўлмайди.* «Муштум». **Хари** (*ёки* **чўп**) **синдирмоқ** Бирор киши ҳеч кутилмаган ишни қилганда айтиладиган ибора. **Шохини синдирмоқ** *қ.* **шох** II. [*Зуҳра*] *Ўтган сафар мажлисда Хўжабековнинг шохини, қолаверса, ўзининг ҳам шохини синдириб, Шербекнинг қўлини баланд қилиб кетган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Қанотини синдирмоқ** *қ.* **қанот 1**.

СИНДРОМ [*юн.* syndrome – йиғилиш, тўпланиш; бир-бирига дуч, тўғри келиб қолиш] *тиб.* Келиб чиқиш механизми умумий бўлган ва организмнинг муайян оғриқли (касал) ҳолатини ифодаловчи белгилар (симптомлар) нинг мос, тўғри келиши.

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) *тиб.* Одамларда лимфатик системанинг зарарланиши оқибатида организмнинг ҳимоявий куч-қуввати заифлашувидан иборат вирусли касаллик (асосан жинсий алоқа ва қон орқали юқади, ўтади).

СИНЕКДОХА [*юн.* synekdoche – мunoсабатдошлик, ўзаро боғланиш] *ад. тлш.* Метонимиянинг кўринишларидан бири; бутун (катта) нарсанинг номини унинг қисми (кичик) номи билан ёки аксинча атащдан иборат кўчим тури.

СИНИШ 1 Синмоқ фл. ҳар. н. *Пиёланинг синиши. Дарахт шохининг синиши.* ▬ *Гоҳо қамчининг заҳарли чарсиллаши, таёқнинг «қарс» этиб синиши ва ғазабли ҳайқириқ эшитилади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 *физ.* Бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтишда ёруғлик йўналишининг ўзгариши. *Ёруғликнинг қайтиши ва синиши. Синиш бурчаги.*

3 *иқт. қ.* **банкротлик.**

СИНИҚ 1 *сфт.* Синган, парчаланган, бирор ери учган ёки дарз кетган, ёрилган. *Синиқ пиёла.* ▬ *Ана шу «боғи эрам» энди эгасиз уйдай ҳувиллаб ётибди. Синиқ деразалардан қушлар учиб кириб-чиқиб турибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Кўча ўртасида бир синиқ шиша Қараган одамнинг олар кўзини.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. *Анчадан кейин Муқаддам чил-чил бўлган мушукчанинг синиқ бўлакларини босиб ўтиб, ёмғирпўшини кийди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *сфт.* Синиб ишдан чиққан, яроқсиз ҳолга келган. *Синиқ арава.* ▬ *Тўтибу аллақаерда чанг босиб ётган синиқ дуторни олиб чиқиб артаётганида, Тожибой кириб келди.* С. Зуннунова, Гулхан.

3 *от кўчма* Синган нарсанинг бўлаклари. *Жасура йиғламсираганча пиёла синиқларини тера бошлади.* Э. Аъзамов, Жавоб. *[Нигора] Полдан термометр синиқларини териб, ўрнидан турганида, ўзини анча босиб олган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 *от кўчма* Одам аъзосининг шикастланиб синган қисми, синган қўл, оёқ ва ш.к. *Хирурглар кенг гулзор ўртасига стол қўйиб, синиқларни гипсламоқда, ярадорларни бинтламоқда.* «Шарқ юлдузи». *Синиқнинг битишидан мумиёнинг сифатини аниқлаганлар.* «Гулистон».

5 *от кўчма* Ярим ой ёки Ойнинг сувга бўлак-бўлак бўлиб тушган акси. *Осмонга қарасам – ойнинг синиғи, Ерга кўз ташласам – сувнинг тиниғи. Кўзига қарасам – ёлқинлар сочиб, Жонимга ўт солди ёрнинг қилиғи.* «Қўшиқлар». *Шуълаланиб, шарқираб ётар Кўк сувларда ой синиқлари.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

6 *кўчма* Рангпар, сарғимтил, сўлғин. *Ичкаридан янги беқасам тўн кийган, жуссаси кичик, муллаваччага ўхшаш ранги синиққина бир йигит иккита тугун кўтариб чиқди.* А. Мухтор, Чинор. *Дўппили одам ранги зар-*

чанинг рангидай синиқ, мендайин бир кал экан. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

7 *кўчма* Паст ва шикаста, титроқ (гап оҳанги, овоз ҳақида). *-Менга бир киши керак эдилар, — деган синиқ овоз келди ташқаридан.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Синиқ, титроқ товуш билан: -Нимага хафа бўламан, айтаверинг, — деди Ҳаётхон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 *кўчма* Маъюс, сўниқ; кайфияти паст, хафа ҳолда. *[Усмонжоннинг] Отаси бормикин? Етимликда ўсганми, жуда синиқ йигит кўринади, — ўйлади Адолат.* С. Зуннунова, Гулхан. *-Икковиям тирноққа арзимайди, морожений оберганим, кинога оптушганим учун шунақа, — деб синиқ илжайди [Собир].* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Шарифа синиқ кулумсиради.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

Кўнгли (*ёки* **руҳи) синиқ** Кўнгли чўккан; дили вайрон, машқи паст. *Ғарибнинг кўнгли синиқ.* Мақол. ▬ *Унинг ёмон яшамаётганлигини, лекин руҳи бир оз синиқроқ эканлигини сезди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Синиқ чизиқ** *мат.* Бурчак ҳосил қилиб, йўналишини ўзгартирган чизиқ. *Агар синиқ чизиқнинг учлари устма-уст тушса, бундай синиқ чизиқ «ёпиқ синиқ чизиқ» дейилади.* «Геометрия».

СИНИҚЛИК 1 Бирор нарсанинг синиқ эканлиги. *Пиёланинг синиқлиги кўзга ташланди.*

2 Руҳан хафа эканлик. *Руҳий синиқлик. Кўнгил синиқлиги.*

3 Овознинг маъюс, титроқ бўлиши. *-Албатта, мени олмас, — деди Нозик; унинг товушида шу чоққача эшитилмаган бир синиқлик оҳанги бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СИНИҚ-МЕРТИК У ер-бу ери синган, учган ёки дарз кетган; чақа бўлган. *Синиқ-мертик идишлар.* ▬ *Ўртада манқалдонда олов, олов атрофида синиқ-мертик чойнаклардан уч-тўрттаси терилган.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Гулнор бутун жиҳози бир намат, токчадаги бир неча синиқ-мертик коса, пиёла ва.. бир неча эски, ямоқ-ясқоқ чит кўрпадан иборат бўлган қоронғи, зах уйига кириб, танчага оёқларини узатиб ётар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СИНИҚМОҚ Рангини олдирмоқ, рангпар бўлиб қолмоқ, сарғаймоқ. *Ранги синиқибди.* ▬ *Отабек кирганда, ўзининг синиққан юзи, ичкарига ботинқираган кўзи билан Кумуш илжайиб, унга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Онасининг синиққан ранг-рўйига қараб, Давроннинг боши эгилди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

СИНИҚЧИ *шв.* Синган-чиққанни тузатувчи табиб. *Эрига қараб: -Қоракўзни синиқчига обориб келмайсизми? Бечоранинг қўли чиқиб кетган шекилли, — деган эди, Шамол тоға уришиб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

СИНИҒАР [< синглиси ғар (бўлгур)] *сўк.* Нафрат, ғазаб, сўкиш, койишни ифодаловчи сўз. *[Зиёд:] Шу десанг, кўтариладиган хонаси келиб қолган экан, қуруғидан оборсалар, қайтарворганмиш синиғар.* М. Мансуров, Ёмби.

СИНКА *с.т.* Синька. *Деҳқоннинг эгнида синкага солинган хомсурп яктак.* С. Аҳмад, Ҳукм. *-Қизил булутлар энди сарғимтир тусга кириб, кўз олдимда рангини ўзгартираверди-да, бирдан синкага солгандек зангори рангга бўялди, — деди чол.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

СИНКРЕТИК [*юн.* synkretismos — бирлашиш] Қоришиқ; бирлашган; қисм, бўлакларга ажралган. *Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, мазкур моддий таъсирнинг маънавий акс-садоси табиат олами билан инсоннинг маънавий-психологик олами ўртасидаги синкретик гармонияни вужудга келтиради.* «ЎТА».

СИНЛИ *шв.* Бўй-басти, қад-қомати келишган. *Синли, синли, синбатлим, Қора шердай ҳайбатлим.* «Қўшиқлар». *Ҳайвонлар ичида ўзинг синлисан, Тубушқон туёқли, марал беллисан.* «Фольклор».

СИНМОҚ 1 Парчаланмоқ, майдаланмоқ, бўлакларга ажралмоқ, узилмоқ. *Шиша синди. Қалам синиб қолди. Кўза кунда синмайди, кунида синади.* Мақол. *Қайин дарахтининг эгилгани — сингани, Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.* Мақол. ▬ *Қўлидаги дасталанган пахта гулли пиёладан бири ерга тушиб, чил-чил синди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Оёғингнинг остида ногоҳ Чирс этар-у, синиб тушар шох..* Х. Даврон, Болаликнинг осмони. *Ел кетма-кет бўкирар, бунга чидай олмаган шохшаббалар қарс-қурс синар.. эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Зарб еб шикастланмоқ, парчаланмоқ (гавда суяклари ҳақида). *Умар билаги синиб, боши ёрилиб, тупроқда беҳуш ётарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

Бели синмоқ 1) бели шикастланмоқ. *Меъмор Нажмиддин Бухорий кўтарган аламни фил кўтарса, бели синарди.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) *кўчма* зарбага учрамоқ, хонавайрон бўлмоқ. *[Азизбой:] Ҳо, ҳо.. Кўп чиранма, Пўлат! Азизбой билан олишганлардан кўпининг бели синиб кетган-а!* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Бошида калтак синмоқ** *қ.* **калтак.**

3 Шикастланиб ишдан чиқмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ. *Арава синди, ҳўкиз ўлди.* Мақол. ■ *-Хафа бўлманг, ака, — деҳқоннинг елкасини қоқиб юпатди Йўлчи, — фалокат эмас — арава синади, тузатилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Синган сози қайтадан Тилга киргандай, Хазон бўлган баҳори Гулга киргандай.* Ғайратий.

4 *кўчма* Конкуренцияда, рақобатда енгилмоқ, банкротлашмоқ, хонавайрон бўлмоқ. *[Саидаҳмад:] Замон жуда лойқаланиб кетяпти, ҳали қарасанг, у бой синибди, ҳали қарасанг, бу бой.* Ойбек, Улуғ йўл.

5 *кўчма* Маънавий зарба олмоқ. *Одамнинг кўнгли нозик бўлади: бир кичкина нарса билан ё синади, ё кўтарилади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *-Агар боланинг руҳи синса, шунақа бетга чопар, каттага сўз қайтарадиган, қайсар бўлади, — деди [Акбархўжа].* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 *кўчма* Енгилмоқ, маҳв бўлмоқ. *Синмас ирода. Ҳақиқат букилади, аммо синмайди.* Мақол.

Бели синмаган пул Янги, шалдироқ пул.

СИНОАТ [*а.* صناعت — санъат, маҳорат; касб-ҳунар] Ажиб иш, сирли ҳодиса. *Бу қандай синоат?* ■ *Нима сир бу? Не синоат? Ё кўнгилда уйғонди туйғу?* М. Али, Боқий дунё. *Мўъжиза рўй бермаган бўлса-да, бироқ ҳар куни бизни ҳайратлантирарли синоатлар бўлиб турди.* «Фан ва турмуш». *Назаримда, буларнинг ўртасида мендан бошқа ҳамма биладиган бир синоат бор эди.* Х. Султонов. Онамнинг юрти.

СИНОВ 1 Синамоқ фл. ҳар. н.

2 Сифатини, чидамли-чидамсизлигини аниқлаш учун ўтказиладиган текшириш. *Синовдан ўтказмоқ. Синов муддати.* ■ *Малакали лабораториялар синовидан муваффақиятли ўтган бундай сополлар асрлардан асрларга ўтади, сақланади.* Газетадан.

3 Сабот ва чидам зарур, керак бўлган палла, воқеа-ҳодиса; имтиҳон. *Сиз тақдирнинг синовларига бардош бериб келган мард одамсиз.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Эл бошига иш тушса, дўст синовдан ўтади.* «Шарқ юлдузи». *Ёш оиланинг бузилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида суд уларга 6 ойлик синов муддати беради.* Газетадан.

4 Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқувчиларининг ҳамда абитуриентларнинг ўқув режасидаги фанлардан олган билими ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш усули. *Институтда синовлар бошланди.* ■ *Минглаб абитуриентлар студентлар сафига қўшилиш учун синов имтиҳонларидан ўтишяпти.* Газетадан.

Синов дафтарчаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқувчиларининг муайян таълим муассасасида ўқишини тасдиқловчи, уларнинг баҳолари қайд этилувчи академик ҳужжат. *Синов дафтарчаси битирувчига тегишли мутахассислик юзасидан диплом [сертификат] беришга асос бўладиган расмий ҳужжат ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

СИНОВЧАН Бирор ҳолатга, воқеа-ҳодисага зимдан назар ташлайдиган, разм соладиган, билиб олишга интиладиган. *Обид Йўлдошевич бу табрикнинг қанчалик самимийлигини билмоқчи бўлгандай, Муҳаммаджонга синовчан назар билан тикилиб, раҳмат айтди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Тўладан келган хушсурат одам оқ оралаб қолган қалин сочларини силаб, Матлубага синовчан тикилиб ўтирарди.* О. Ёқубов, Излайман.

СИНОВЧИ 1 Синамоқ фл. сфдш. *Кампир синовчи кўзлари билан йигитга узоқ тикилди, бошини оҳиста чайқаб, сўнг енгил бир хўрсиниб деди..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Махсус синовдан ўтказувчи мутахассис. *Синовчи учувчи.*

3 *айн.* **синовчан.** *Махдум унга синовчи назар билан тикилиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СИНОД [*юн.* synodos — мажлис; йиғилиш] 1917 йилгача чор Россиясида: Рус православ черковининг олий бошқарув органи; ҳозирги вақтда — Москва ва Бутун Русь патриархи қошидаги маслаҳат органи.

СИНОДИК [*юн.* synodos — бирикиш; қўшилиш; бирикма]: *астр.* **синодик айланиш даври** Қуёш системасидаги бирор сайёранинг ўз орбитаси бўйлаб ҳаракатланиб,

Ердан кузатилаётганда, Қуёшга нисбатан дастлабки вазиятига қайтишигача ўтган вақт. **Синодик ой** Сайёралар ёки Ойнинг кетма-кет келадиган иккита бир хил фазаси орасидаги (*мас.*, ой кўринган кундан янаги ой кўринадиган кунгача бўлган) вақт; *таққосланг:* **сидерик: сидерик давр, сидерик ой.** *Ойнинг кетма-кет келадиган иккита бир хил фазаси орасидаги вақт синодик ой дейилади.* «Астрономия».

СИНОЛОГ Синология олими, мутахассиси; хитойшунос. *Синолог олим.*

СИНОЛОГИК Синологияга, хитойшуносликка оид. *Синологик тадқиқотлар.*

СИНОЛОГИЯ [*лот.* Sina – Хитой + *юн.* logos – фан, таълимот] Хитой тарихи ва маданияти, тили ва адабиёти ҳақидаги фанлар мажмуи; хитойшунослик. *Синология соҳаси.*

СИНОНИМ [*юн.* synonymos – бир хил номли] *тлш.* Шакли ҳар хил, маъноси эса бир хил ёки бир оз фарқли бўлган тил бирликлари қаторидаги ҳар бир тил бирлиги. *Ўзбек тилидаги синонимлар. Синоним сўзлар.* ▬ *Гулханий тили лексикасининг хусусиятларидан бири шуки, «Зарбулмасал»да маълум бир предмет, нарса номи бир неча адекват синонимлар орқали ифодаланади.* «ЎТА». *Синонимлар асарга сайқал беришда, фикрни жозибали ифодалашда катта аҳамиятга эга.* «ЎТА».

СИНОНИМИК *тлш.* Бир-бирига синоним бўлган; маънодош. *Синонимик сўзлар.* ▬ *Ҳар бир синонимик қаторнинг чегараси, ундаги сўзлар асосий сўз [доминанта] га қиёслаш орқали белгиланади.* «ЎТА». *Синонимик мақолларни эса ҳар бир халқ, ўзининг миллий хусусиятлари ҳамда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, мустақил равишда яратади.* «ЎТА».

СИНОНИМИКА *тлш.* **1** Бирор тилнинг синонимлари мажмуи. *Ўзбек тили синонимикаси.*

2 Лексикологиянинг синонимларни ўрганувчи бўлими.

СИНОНИМИЯ [*юн.* synonymia – бир хил номга эгалик] *тлш.* Тил бирликларининг маъно жиҳатидан яқинлик, маънодошлик ҳодисаси. *Грамматик синонимия.* ▬ *Шунингдек, полисемантик сўзлардаги антонимик муносабат ҳамда антонимик сўзлар синонимияси уларда стилистик имкониятлар кенг эканлигини кўрсатади.* «ЎТА».

СИНОПТИК I [*юн.* synoptikos – барча нарсани бараварига кузата, кўра олувчи] *мтр.* Об-ҳавони кузатувчи, об-ҳавонинг қандай бўлишини одатда синоптик хариталар асосида олдиндан айтиб берувчи мутахассис, метеоролог. *Гарчи синоптиклар бир кун илгари табиий офат содир бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган бўлишса ҳам, тоғдан бостириб келган сел анча талафот етказди.* Газетадан.

СИНОПТИ́К II *мтр.* Об-ҳаво шароитларига, метеорологияга оид; турли хил мураккаб ахборотлар мажмуини тезлик билан кузатиш имконини берадиган. *Синоптик кузатишлар.* ▬ *Тажрибакор кексалар тахмини ва синоптиклар прогнозига кўра бу йил қиш эрта тушиши кутиляпти.* Газетадан.

Синоптик карта (*ёки* **харита**) Айни бир вақтда ер устида ва осмонда об-ҳавони кузатишдан олинган натижалар рақамлар ва шартли белгилар билан акс эттирилган географик об-ҳаво харитаси (бундай харита об-ҳавони синоптик таҳлил қилиш ва олдиндан айтиб беришга хизмат қилади). *Радио орқали икки синоптик карта: бири – Европадан, иккинчиси – Америкадан қабул қилинди.* «Фан ва турмуш».

СИНОПТИКА [*юн.* synoptikos – барча нарсани бараварига кузата, кўра олувчи] Метеорологиянинг синоптик хариталар асосида об-ҳавони олдиндан айтиб бериш мақсадида атмосферадаги кенг кўламли физикавий жараёнларни ўрганувчи бўлими.

СИНОҚ *шв. айн.* **синов.** *Келди дўстлар йироқдан.. Мексикадан, Ироқдан, Қўнди бахт манзилига, Ўтиб минг хил синоқдан.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Синоқларнинг қийноғида яшадик бутун.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

СИН-СИМБАТ, сини-сумбат *шв.* Ташқи қиёфа, бўй-баст, қад-қомат. *Бўри полвон Абрай полвоннинг син-симбатига синчиклаб тикилди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Хўб йигит экан. Балли отангга, сини-сумбатингга.* «Равшан».

СИНТАГМА [*юн.* syntagma – тизим, саф; қўшилган бирор нарса] *тлш.* Бир ёки бир неча сўздан иборат синтактик, интонацион-мазмуний нутқ бирлиги.

СИНТАКСИС [*юн.* syntaxis – тузиш, бириктириш; тузилма, таркиб, бирикма] *тлш.* **1** Бирор тилдаги сўзларнинг сўз бирикма-

ларига ва гапларга бирикиш усуллари, шунингдек, сўз бирикмалари ва гапларнинг турлари ва маънолари. *Ўзбек тили синтаксиси.* ■ *Гапнинг зарур белгиларидан бири бўлган интонация – синтаксиснинг фонетика билан, тилнинг фонетик системаси билан ҳам боғланишини кўрсатади.* «Ҳозирги ўзбек адабий тили».

2 Грамматиканинг сўзларнинг сўз бирикмалари ва гапларга, содда гапларнинг эса қўшма гапларга бирикиш усулларини, сўз бирикмалари ва гапларнинг тузилиши, маъноси ва вазифаларини ўрганадиган бўлими. *Юқорида қайд этилган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, синтаксис сўз бирикмасини ва гапни текширади, унинг асоси гап ҳақидаги таълимотдир.* «Ҳозирги ўзбек адабий тили».

СИНТАКТИК Синтаксисга оид. *Синтактик таҳлил. Сўзнинг синтактик вазифаси.*

СИНТЕЗ [*юн.* synthesis – бирикиш, қўшилиш; бириктириш, қўшиш] **1** Предмет ва ҳодисаларни бир бутун ҳолда, уларни ташкил этувчи қисмларнинг бирлиги ва ўзаро боғланишида ўрганадиган илмий-тадқиқот усули; *зид.* **анализ**. *Синтез усули билан фақатгина табиий фанларнинг эмас, балки техник ва ижтимоий фанларнинг интеграциялашуви натижасида кибернетика, бионика, семиотика, тизимлар назарияси яратилди.* «Фалсафа».

2 *ким.* Бир хил кимёвий бирикмалардан бошқа бирикмаларни ёки содда элементлардан мураккаб бирикмаларни ҳосил қилиш; шундай бирикмаларнинг ҳосил бўлиши. *Саноатнинг йирик тармоқлари, жумладан, бўёғичлар, пластмассалар, синтетик каучуклар ва бошқаларни ишлаб чиқариш органик синтез асосида ривожланди.* «ЎзМЭ». *Ҳужайра ҳаётида оқсил синтези асосий жараён ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Бирор фаолиятнинг умумлашган бирлиги, умумлашмаси; ҳосил бўлган яхлитлик. *«Зайнаб ва Омон» поэмаси Ҳамид Олимжоннинг урушдан бурунги ижодий фаолиятининг синтезидир.* «Ўзбек адабиёти».

4 Бир неча хил санъат тури қўшилмаси, бирикмаси (инсонга ҳар томонлама эстетик таъсир кўрсатади). *Санъатимизда замонавий меъморчилик билан монументал санъат синтези тобора табиий тус олмоқда.* Газетадан.

СИНТЕЗАТОР [*юн.* synthesis – бириктириш, қўшиш, боғлаш] Маълум дастур асосида барча куй ва усуллар, турли чолғу асбоблари ва табиат товушлари, қушлар овози, шунингдек, табиатда мавжуд бўлмаган янги товушларни чиқариб берувчи мураккаб электрон мусиқа асбоби. *Синтезатор мусиқаси.* ■ *Ўзбекистонда турли русумдаги синтезаторлар 1980 йилларнинг бошларида пайдо бўлиб.. баъзида концерт жараёнида ҳам жорий этилмоқда.* «ЎзМЭ».

СИНТЕЗЛАМОҚ 1 Синтез йўли билан текширмоқ, умумлаштирмоқ, бирлаштирмоқ, синтез қилмоқ.

2 *ким.* Синтез йўли билан ҳосил қилмоқ, олмоқ, синтез қилмоқ. *Янги препарат синтезламоқ.*

3 Бир-бирига қўшиб, сингдириб юбормоқ. *Чунки у [Ш. Холмирзаев] ҳикоя ечимида узоқ ўтмишга алоқадор одат билан янги давр воқелигини бадиий синтезлай олди.* «ЎТА».

СИНТЕТИК [*юн.* synthetikos – бириктирувчи, қўшувчи, уловчи] **1** Синтезга, бутунлигича узвий боғланишда олиб текширишга асосланган. *Тадқиқотнинг синтетик усули.*

2 Узвий боғланишда бирикиб умумлашган, узвий боғланишда умумлаштирилган. *Синтетик образ.*

3 Синтез йўли билан ҳосил қилинган, олинган. *Синтетик каучук. Синтетик тола. Синтетик полимерлар. Синтетик кир ювиш воситалари.* ■ *Синтетик кристалларнинг 10 мингга яқини – анорганик моддалар.* «ЎзМЭ».

4 *тлш.* Қўшимчалар қўшиладиган; морфологик шаклли. *Майл категорияси ўрганилганда, шу кунгача унинг синтетик йўлда ясалишига кўпроқ эътибор берилиб, аналитик йўл билан ясалишига деярли аҳамият бермай келинарди.* «ЎТА».

СИНУВЧАН Салга синадиган, мўрт, нозик. *Синувчан ғишт. Қариганда суяк синувчан бўлиб қолади.*

СИНУВЧАНЛИК *махс.* Металларнинг уларга бирон куч таъсир эттирилганда пайдо бўладиган зўриқишларга қаршилик кўрсатиш хоссаси. *Бирон-бир маҳсулот учун материал танлашда уларнинг синувчанлик хоссаси ҳисобга олинади.* «ЎзМЭ».

СИНУС [*лот.* sinus – эгрилик, қийшиқлик] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчак ўткир

бурчаги қаршисидаги катетнинг гипотенузага нисбатидан иборат тригонометрик функция. *Бурчакнинг синусига қараб унинг катталигини аниқламоқ.* ▬ *Раҳматулла Ибодов Мирзо Улуғбек тузган жадвалдаги синуслар қийматининг тўғрилигини текшириб чиқди.* Газетадан.

СИНУСОИДА [*юн.* sinus – букилган, эгилган жой, қийшиқлик + eidos – кўриниш; қиёфа; хил, тур] *мат.* Синуснинг бурчак ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгаришини график тасвирловчи тўлқинсимион ясси эгри чизиқ.

СИНФ I [*а.* صنف – хил, нав; тоифа, бўлинма] Кишиларнинг тарихан шаклланган ишлаб чиқариш тизимида, ижтимоий меҳнатни ташкил этишда муайян мавқе ва ўринга эга бўлган, ишлаб чиқариш воситаларига, ижтимоий бойликнинг тақсимланишига бир хил дахлдорлиги ва манфаатларининг умумийлиги жиҳатидан бирлашган катта гуруҳи; нисбатан барқарор бўлган катта ижтимоий қатлам. *Ижтимоий синфлар. Мулкдорлар синфи.* ▬ *Ўзбекистонда фуқароларга мулкдор бўлиш ҳуқуқининг берилиши жамиятни қарама-қарши синфларга бўлиб ўрганиш ғоясини ҳам инкор этади.* «ЎзМЭ». *Ҳозир социологияда жамиятни синфларга ва бошқа ижтимоий гуруҳларга бўлишнинг турли мезонлари илгари сурилмоқда.* «ЎзМЭ».

СИНФ II [*а.* صنف] **1** Ўқувчилар томонидан бир ўқув йили давомида эришиладиган умумий билим савияси; мактаб таълимининг ҳар бир босқичи; мактабнинг асосий таркибий бирлиги. *Синфдан синфга ўтмоқ.* ▬ *Таълат ўнинчи синфни кумуш медаль билан тамомлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *10- «А» синфида ўқийдиган Рустам.. кузда пахта байрамига атаб мактабда ўтказилган кечада рубоб чалиб, ашула айтганида ҳам уни яхши кўраркан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ўқув юртларида машғулот ўтказиладиган хона, аудитория. *Ёруғ синф. Синф доскаси.* ▬ *Синфга киришим билан, болалар қичқириб юборишди: -Ур-ре-е, Ҳожи келди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ўқувчи «биз кўпчиликмиз, ўқитувчи ҳаммамизни баравар кўролмайди», деб ўйлайди. Ҳолбуки, ўқитувчи синфдаги ҳар бир боланинг нима қилаётганини аниқ билиб туради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *кўчма* Бошланғич ва ўрта мактабларда ўқув йили давомида ягона ўқув дастури асосида таълим олувчи ўқувчилар жамоаси. *Синф раҳбари.* ▬ *Синф бир оғиздан «Ассалому алайкум!» деб қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мактабда ёмон бўлсам, ё икки кун бормасам, бутун синф оёққа турарди.* «Ёшлик».

4 Бадиий ўқув юртларида ўқувчиларнинг бирор ўқув фани бўйича ихтисослаштирилган гуруҳи. *Композиция синфи.* ▬ *Маликани Ўзбекистон халқ артисти С. Қобулова синфига ўқишга қабул қилиш мақсадида тайёрлов курсида ўқитишди.* Газетадан.

5 *биол.* Ўзаро қариндош ҳайвонлар ёки ўсимликлар туркумларини бирлаштирувчи категория. *Сутэмизувчилар синфи.*

СИНФДОШ Бир синфда ўқийдиган ёки ўқиган болалар (бир-бирига нисбатан). *Синфдошлар билан учрашув.* ▬ *Зебунисо – Зумраднинг синфдоши. У жуссаси чоғроқ, камгап, мулоҳазали қиз эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Шундоқ тўполончи боланинг бирданига ювош бўлиб қолганини кўриб, синфдошлари ҳайрон эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СИНФИЙ [*а.* صنفى – синфга оид, тур, тоифага алоқадор] **1** Синфларга, ижтимоий қатламга оид. *Синфий жамият.*

2 Бирор синфга хос бўлган, бирор синфга мансуб. *Ишлаб чиқариш, савдо-тижорат, воситачилик, ҳунармандчилик.. эркин ижодий фаолиятда машғул хусусий.. тадбиркорлар мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган мулкдорлар синфининг илдам ўсаётган ички синфий қатламларидир.* «Мустақиллик» луғати.

СИНФХОНА *с.т. айн.* **синф** II **2**. *Йўлдошев дарсга кирганида, синфхона сеҳрли овозга тўларди.* Газетадан. *Коридорлар, заллар, синфхоналар, фан кабинетлари юксак дид билан қайта жиҳозланди.* Газетадан.

СИНХРОН [*юн.* synchronos – бир вақтли, даврли < syn – бирга + chronos – вақт, давр] **1** Бир-бирига мос равишда, айни бир вақтда, баб-баравар содир бўлган ёки бўладиган, синхронизмга, синхронликка эга бўлган. *Синхрон айланиш. Синхрон ҳодисалар.* ▬ *Имо-ишоралар «тили»ни, айниқса, синхрон таржима ва кинофильмлар ўгирмаси билан шуғулланувчи таржимон-мутахассис-*

лар аниқ фарқламоқлари даркор. F. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Айни бир давр тилини давр, вақт омили ва лисоний ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда тавсифлашга оид, алоқадор. *Синхрон таҳлил.*

СИНХРОНИЗАТОР *тех.* Маълум жараёнларни ёки машина, механизм ва ш.к. нинг ишини синхронлайдиган, ўзаро мувофиқлаштирадиган, мослаштирадиган қурилма, мослама.

СИНХРОНИЗМ [*юн.* synchronismos – бир вақтлилик] Икки ёки бир неча ҳодиса, жараён ва ш. к. нинг бир-бирига мос равишда айни бир вақтда, баб-баравар содир бўлиши.

СИНХРОНЛАМОҚ Икки ёки бир неча ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг ўзаро мос равишда айни бир вақтда, баб-баравар содир қилмоқ, содир бўлишига имкон яратмоқ.

СИНХРОНЛИК Ўзаро мос равишда, айни бир вақтда содир бўлишлик. *Ҳаракатларнинг синхронлиги.*

СИНЧ *бнк.* **1** Бино ва иншоотлар деворининг таглик ёғоч билан саррови ўртасига қадалган ёғочлар. *Лайлак уя бостирманинг олди кўтарилиб, орқаси кўча томонга босиб кета бошлади. Унча зич қилиб қоқилмаган синчлар орасидан дув этиб гувалалар тўкилиб тушди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

Синч девор Синч қадаб, гувала териб қурилган девор. *Ўртасига атиргул, райҳон ва гултожихўроз экилган ҳовлининг ўнг томонидаги йўлак бўйлаб юриб, юқоридаги синч девор(ли) пастак уйга киришди.* «Муштум». **Синч уй** Деворлари синч қадаб қурилган уй. *Пастак гувала уйлардан тортиб, болохонали синч уйларнинг кўпи пинагини бузмай, гердайиб турарди.* «Шарқ юлдузи».

2 Иморатнинг, деворнинг шу қисми учун боп ёғоч. *Иморатга синч олмоқ.*

СИНЧАЛАК *зоол. шв.* Читтак. *Девор тагидан пирр этиб синчалак учди.* А. Эшонов, Дутор.

СИНЧАЛОҚ Жимжилоқ, кичик бармоқ. *Шунда кампир маликадан бу гапни эшитиб, синчалоғини тишлаб, тўхтаб қолди.* «Эртаклар». *Маматурди қора синчалоғи билан ўнг қулоғини бир кавлаб олгач, жулдур дўпписини елкасига ташлаб, уйидан чиқади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

СИНЧИ *фольк.* Отларнинг зотини, наслини, ёшини, феъл-атворини яхши биладиган одам. *[Шербек] Отнинг тилини Йўлдош новчадай биладиган синчи йўқлигига иқрор бўлса-да, бирор марта номини оғзига олмаган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Синчи, отнинг таърифини қилиб, «чини шул» деб, бир сўз айтиб турган экан..* «Алпомиш».

СИНЧИКЛАМОҚ: синчиклаб Зўр диққат билан, майда-чуйдасигача, икир-чикиригача, ипидан игнасигача, миридан сиригача қолдирмай. *Синчиклаб қарамоқ. Синчиклаб текширмоқ.* ▬ *Ёдгор оёқларига тош боғлангандай имиллаб олдинга чиқаркан, Маҳмуда Алиевна ўзига синчиклаб қараб қўйганини пайқади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Врач болаларни синчиклаб кўрар экан, уларни оналарга хос сўзлар билан эркалайди.* М. Хайруллаев, Оппоғим.

СИНЧИЛИК Отларнинг зотини, феълатворини, ёшини аниқлаш билан шуғулланиш; синчи касби. *Баракалла Равшаннинг синчилигига, биз ҳам синчилик даъвосини қилиб юрган эканмиз, синчилик мана бундай бўлар экан.* «Гўрўғли».

2 Бирор нарсани синчиклаб, диққат билан ўрганиш, кузатиш хусусияти. *Баъзида телба-тескари гапириб қўйгани билан, қурғурнинг синчилик сиёғи бор.* «Ёшлик».

СИНЧКОВ Синчиклаб, зўр эътибор билан қарашга, текширишга одатланган, ҳеч нарсани назар-эътибордан четда қолдирмайдиган. *Синчков назоратчи.* ▬ *Мирзамуҳаммад Расулович етти ўлчаб, бир кесадиган, мулоҳазали, синчков, зукко одам эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Онаси водопровод жўмраги олдида юз-қўлини юваётган қизига синчков назар билан қаради.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

СИНЧКОВЛИК Зўр диққат, эътибор билан кузатиш хусусияти. *Кузатувчининг синчковлиги.* ▬ *Нодира [чолга] синчковлик билан қараб, ундан гап сўрамоқчи бўлиб турарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Алимардон билан Муқаддамнинг тўйи ўтганидан бери у одамларга ўзгача бир синчковлик, ички алам, ишончсизлик билан қарайдиган бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

СИНЧКОР *айн.* **синчли.** *Синчкор иморат.* ▬ *Синчкор уйлар қуриш усули ҳам халқимизда кўп асрлардан бери маълум.* Газетадан.

СИНЧЛИ Деворлари синч қадаб қурилган; синчкор. *Синчли девор.* ▬ *Синчли уйнинг афзалликлари ота-боболаримиз замонидан маълум.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Зилзила бу маҳаллаларни ҳам тебратиб, томларнинг чангини чиқарса-да, лекин синчли уйларни қулатолмаган эди.* «Шарқ юлдузи».

СИНЬКА [*р.* синий – кўк, кўкиш *ва* синить – кўкка бўямоқ: кўк бўёқ] Газлама, кийим-кечак ва ювилган оқ буюмларга кўкиш тус бериш учун ишлатиладиган кукун бўёқ. *Ювилган кирни синькага солмоқ.* ▬ *У [Тожибой] то гапириб бўлгунча терлаб, синькага солинган яктаги жиққа ҳўл бўлиб, олатароққа айланиб кетди.* С. Аҳмад, Муҳаббат.

СИНЬКАЛАМОҚ Синькага солиб кўкиш тус бермоқ. *Кўйлакни синькаламоқ.*

СИОНИЗМ [*қад. яҳ.* Қуддус яқинидаги Сион тепалиги номидан] 19-аср охирида вужудга келган, яҳудийларнинг Фаластинга келишини рағбатлантириш ва у ерда яҳудийлар давлатини тузишни мақсад қилиб қўйган яҳудий миллий ҳаракати.

СИОНИСТ Сионизм тарафдори. *Жаҳон сионистлар ташкилоти 1897 йилда тузилган, қароргоҳи – Исроил ва АҚШда.* «ЎзМЭ».

СИПАР [*ф.* سپر – қалқон; тўсиқ, ғов] **1** *тар.* Қалқон, совут; ўқ, найза, қилич ва ш. к. қуроллар зарбидан сақланиш учун қўлланган доира ёки бирор бошқа шаклдаги қадимий аслаҳа; қалқон. *Қиличга бу рад бериб, Бошига сипарин тутди.* «Ширин билан Шакар».

СИПО [*ф.* سپاه – қўшин, аскар] **1** Камтар, камсуқум, оддий. *Сипо одам. Сипо кийинмоқ.* ▬ *Комила беқасам кийиб, сўрида сипогина ўтирган Азимжонга кўз қирини ташлаб қўйди.* А. Мухтор, Чинор. *Баланд бўйига сипо қилиб тикилган гулдор кўйлаги ёпишиб турарди.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

2 Оғир, вазмин, босиқ. *Ўзини сипо тутмоқ.* ▬ *Йигит улар билан сипо саломлашиб, қўлидагиларни столга қўйди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Энди шўхлик қаёқда дейсиз, Юришларим сипо ва ўйчан.* А. Орипов, Йиллар армони.

СИПОГАРЛИК *айн.* **сипогарчилик.** *Саид сипогарликни қўлдан бермаган ҳолда, уларни эркалаган бўлади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

СИПОГАРЧИЛИК Ўзини жуда оддий, камтарона тутишлик; одмилик; хушмуомалалик. *[Бой] Сипогарчиликни йиғиштириб қўйиб, аслига қайтди.* Н. Фозилов, Оқим.

СИПОЛИК Камтарлик, камсуқумлик; босиқлик. *-Мен у кишининг гапларига бирор қўшимча қилишга ожизман, – деди Саидғози ва креслода савлат тўкиб ўтирган раисга қараб, securityолик билан бош ирғатди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қора кийиниб олган Бадиа меҳмонларга чой-нон қўйиб, securityолик билан хизмат қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СИПОРИШ [*ф.* سپارش / سفارش – топшириқ, буюртма; фармойиш, амр; тавсия, кафолат] **1** *эск. кт.* Топшириқ, вазифа, ўгит, насиҳат. *[Ҳасанали].. «ўлганимдан кейин.. бир вақтлар Ҳасанали ота ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя!» деб қарор берган ва ҳозирдан бошлаб Отабекка бу тўғрида сипоришлар бериб, ундан самимий ваъдалар олиб юргувчи оқ кўнгилли бир қул эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Эъзоз-эҳтиром, илтифот, мулозамат ёки хушомад. *Тешабой Ашурмирзонинг таънаю таъзиридан ҳали қанчалик ерга кириб кетган бўлса, ҳозирги сипоришдан кўкрагига шабада тегиб, қаддини [шунчалик] ростлаб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *[Нор Мастурага:] Келинг, хола. Ҳаммага сипориш қилсангиз ҳам, менга савдони очиқ қилаверинг.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

СИПОРИШЛАМОҚ Мулозамат, иззат-икром ёки хушомад қилмоқ. *-Вой, ош айлансин сизлардан. Одам бор ерга одам келади-да, адаси, – деб гапини сипоришлади энди Ноиба ва дастурхон ёзишга шошилди.* М. Мансуров, Ёмби.

СИПОҲ [*ф.* سپاه – ҳарбий бирлашма; қўшин, армия] *тар.* Подшоҳ, хон, амир саройида узоқ хизмат қилган лавозимли киши; амалдор. *Сипоҳнинг ошнаси бўлмас.* Мақол. ▬ *Эшикни қия очиб, нотаниш кишиларга совуқ назар ташлаган, юзлари гўштдор уй эгаси сипоҳларга хос пурвиқорлик билан «Хизмат?» дегандек қаради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Жангчи, аскар. *Деҳқон бўлсанг – қошида бўл, сипоҳ бўлсанг – бошида бўл.* Мақол. ▬ *Қиличи синиб, қалқони тешилган сипоҳлардек, она-бола китоб-дафтарларни кўтариб, боғ дарвозаси томон юриша бошлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Муҳаммад Раҳимхон йўл ёни-*

да саф тортган сипоҳларга қараб бош чайқади. С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Шахмат ўйинида: пиёдадан катта доналар (фил, от, рух, фарзин). *Бир пиёдага бир сипоҳни қурбон бермоқ.*

4 *кўчма айн.* **сипо.** *-Қачондан бери сипоҳ бўлиб қолдинг? — таъна қилди бошялангъ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Шерназарбой ҳаммадан сипоҳ кўринган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

СИПОҲГАРЧИЛИК *айн.* **сипогарчилик.** *Сипоҳгарчилик қилмоқ.* ▬ *[Шарофат] Сипоҳгарчиликни қўлдан бериб қўймаслик учун бирпас жим қолди-да, кейин қошини бир оз чимириб, сўз бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СИПОҲИ(Й) [*ф.* سپاهی — аскар, жангчи] **1** *айн.* **сипоҳ 1, 2.** *Махдум машқхонадан чиқиб, ичкари киришга одим узган ҳолатда дарвозадан сипоҳи кийимида бир киши кирди ва махдумга салом бериб, яқинига юриб келди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СИПОҲЛИК 1 *тар.* Амалдорлик, иш бошилик.

2 Аскарлик, жангчилик.

3 *айн.* **сиполик.** *Йўлдошга айтиб қўйинг, ҳадеб менинг жиғимга тегавермасин. -Хўп, — деди Турсунов сипоҳлик билан.* Ибохон, Улуғ йўл.

СИПОҲСОЛОР [*ф.* سپاهسالار — бош қўмондон; қўшин етакчиси] *тар. ҳарб.* Лашкарбоши, бош қўмондон. *Хива хонлигида жами отлиқ ва пиёда қўшинга сипоҳсолор қўмондонлик қилган.* «ЎзМЭ».

СИПСАР [*ҳинд.* < سبسر < سیسار — тимсоҳ < *ф.* سیاهسر — қора бош] Ҳиндистон дарёларида яшайдиган, тумшуғи ингичка ва узун тимсоҳ.

СИП-СИЛЛИҚ 1 Силлиқ с. нинг куч. *Сип-силлиқ тахта. Сип-силлиқ ойна. Сип-силлиқ бош.* ▬ *Директорнинг столи сип-силлиқ эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Худди бегуноҳ каби; бежанжал, беишкал, текис. *Саодат давом этди: -Ўтган кенгашда директорингиз бу ҳақда оғиз очмади, сип-силлиқ бўлиб, минбардан тушиб кетди.* А. Мухтор, Қарс икки қўлдан чиқади. *Баталов билан Бобожонов милиция ходимларининг бошини айлантириб, сип-силлиқ чиқиб кетишди.* «Муштум».

СИПҚАРМОҚ Бир симиришда ичмоқ, таги-тугигача симирмоқ. *Аҳмад Танбал миннатдорона бош ирғаб, майни сипқарди-ю, кейин дастурхондаги тандиркабобга қўл чўзди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бобо Хурмо, киприксиз кўзларини мастона ўйнатиб, бир эмас, икки коса шарбатни уст-устига сипқарди-да, ҳикоясини бошлади.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

СИПҚИРМОҚ *с.т. айн.* **сипқармоқ**. *Полвоннинг томоғи тақиллаб турган эди: -Бўпти, олдик, — деди ва бир сипқириб, пиёлани бўшатди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Ёзда ариқ лабида ўтириб, бир пиёлага анор сувини сиқиб сипқирмоқни ким севмайди дейсиз?!* И. Тўлқин, Али бобо боғи.

СИР I [*а.* سرّ — махфий нарса, яширин иш ёки гап; қалб, кўнгил] **1** Ўзгалардан махфий тутилган ёки ўзгаларга номаълум бўлган бирор иш, гап, нарса ва б. *Ҳарбий сир. Юракдаги сир. Сир сақламоқ. Сир тутмоқ. Сирни ошкора қилмоқ. Душманнинг кулгани — сирингни билгани.* Мақол. *Ўз дўстим деб сир айтма, дўстингнинг ҳам дўсти бор.* Мақол. ▬ *Отабек нима деб айтишга сўз тополмай қолди. Чунки юрак сирини ифода қиларлик жумла топиш мумкин эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмад юрагида яшириб юрган сир туну кун, бир дақиқа ҳам унга тинчлик бермасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Ҳали очилмаган, аниқланмаган, илм-фан ҳали ўрганиб етмаган, инсон учун ҳали номаълум нарса. *Коинот сирлари.* ▬ *Ойга учирилган иккинчи ракета космос сирларини билишга доир қимматли маълумотлар берди.* «Фан ва турмуш». *Олимларнинг ушбу ҳолдан Чимирилди қошлари. Бу қанақа сир бўлди, деб Тамом қотди бошлари.* А. Орипов, Йиллар армони. *Одамзод доимо дунё сирларини билишга ҳаракат қилиб келган.* «Фан ва турмуш».

3 Бирор соҳа ёки фаолият турининг ўзигагина хос бўлган хусусият; малака. *-Бўтам, сиз кошинпазлик ҳунаридаги ҳамма сирларни диққат билан ўрганганмидингиз? [деб сўради Меъмор].* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бадиий ижод сирларига, ижод психологиясига қизиқиш оммавий маънавий эҳтиёжга айланиб қолган экан, уни ўрганиш фойдали.* У. Норматов, Талант тарбияси.

Миридан сиригача Ипидан игнасигача, бошдан-оёқ; батафсил. *Зиёдуллага бу ҳунар ёқиб тушган, уни миридан сиригача эгаллаб олиш учун бутун кучи, зеҳнини ишга солган*

эди. Ҳ. Назар, Ўтлар туташганда. **Сир босмоқ** Салобати босмоқ, ийманмоқ. *Меҳмоннинг сири босганлигиданми ёки меҳмон кутиш ташвишиданми, у нимагадир ичидагини ташига чиқармас эди.* И. Раҳим. Хислат.

СИР II **1** Ялтироқ минерал ёки мойбуёқ. *Унинг [мачитнинг] баланд ва сири кўчиб кетган эски устунли айвонида уч-тўртта намозхон ўтиришибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу мақбаранинг ичи сир берилган жуда гўзал тошлар билан безалган бўлиб, Хоразм наққошлик санъатининг юксак намуналаридан биридир.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Металл буюм ва идиш-оёқ сиртига қопланадиган шишасимон масса; эмаль. *Сири кўчган кастрюлька.* ▬ *Хаял ўтмай, бир чойнакда кўк чой, сири кўчган патнусда тўртта бозор нони кўтариб келди Қудрат.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Симобнинг бирор металл билан қотишмаси ёки металларнинг симобдаги қотишмаси; амальгама. *Сири кўчган ойна.*

СИР III [*р.* сырой – ҳўл, нам; хом, пишмаган] *айн.* **пишлоқ.** *Аёл сумкасидан сир билан колбаса олиб, [Олимжон ва Манзурани] меҳмон қилди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Ресторанннинг орқа эшигидан икки тўр халтани яхна гўшт, сир, коньяк, кўкпиёз ва помидорларга тўлдириб чиққан Нусратбек уйга ошиғич қайтиб келди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СИРА I *рвш.* **1** Асло, асти, мутлақо, ҳеч. *Бунинг сира иложи йўқ.* ▬ *Аҳмад бу гапни сира кутмаган эди, ток ургандек эти жимирлашиб кетди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Авжи қиш вақти бўлса ҳам, ерда сира қор йўқ.* С. Зуннунова, Янги директор. *У ўтирганлардан сира тап тортмасдан шеърини баланд овоз билан ёддан ўқиди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *[фақат бўлишсиз фл. билан]* Ҳеч қачон, ҳеч вақт. *Энди бу ерга сира келмайман.* ▬ *Бари бир, мен Гулнор опани унутмайман сира, уни кўргани тез-тез келиб тураман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Канал очилган кун эсингизда борми? Каналдан оққан чироқлар кўз олдимдан сира кетмайди. Бу ўйин эмас, халқнинг орзуси эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *(фақат сўроқ гапларда)* Бирор марта, ҳеч. -*Шаҳодат муфтингизнинг афтига сира қарайсизми. Шоирингизнинг пичингларини пайқайсизми? – деди Анвар Султоналига.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИРА II **1** Мунтазам, изчил қатор; кетма-кетлик, тартиб, навбат. *Сонлар сираси.*

2 Саф, қатор. *Пиёдалар сирасида кекса муаррих ва шоир Мирзо, Табибий, Баёний кўринди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *кўчма* Қатор, таркиб. *Ҳар ҳолда, шахмат ҳар қандай ўйиндан шу қадар катта фарқ қиладики, бу фарқ шахматни узил-кесил ўйинлар сирасига қўшишга имкон бермайди.* М. Муҳитдинов, Мия гимнастикаси. *Мулла Абдураҳмон.. Раънонинг эрга берилганлигининг хабарини эшитгач, бу тасодифни истиқболнинг хайрли фоллари сирасига киритди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 Фикрнинг, гапнинг асосий мазмуни, моҳияти, мағзи; гапнинг пўскалласи. -*Сўзламайман, – деди Тўйбека [Кумушга], – лекин сирасини сўзлайман... Оҳ, кўрсанг эди бир куёвни!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Гапнинг сирасини айтақолсангиз-чи, холажон, – дедим ниҳоятда чидамай.* Т. Алимов, Тўй қолди.

Сирасини айтганда Тўғрисини айтганда, гапнинг тўғриси. *Сирасини айтганда, пойтахтлик конструкторлар бизга ёрдамга келишади, деб ўйламаган эдик.* Газетадан.

СИРАСИГА *рвш. кам қўлл.* Сурункасига, қаторасига; бетўхтов. *Уч кун сирасига ёмғир ёғди.*

СИРА-СИРА Сира I **1, 2** с. нинг куч. *Сира-сира билмайман.* ▬ *Гулчеҳра Султон билан Дилбар ўртасида ғов бўлишни сира-сира истамасди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Муллажон унинг кўзига мўлтираб қаради. Бу қараш Башоратга сира-сира таъсир қилмади.* С. Аҳмад, Сайланма.

СИР-АСРОР, сиру асрор [сир + асрор] Барча сирлар (*қ.* **сир** I). *Бир ҳафта ўтмаёқ, бу уйдаги сир-асрор Инобатга ойнадек бўлди-қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Онаси хат танимас, лекин турмушнинг кўп сир-асрорига ақли етадиган, мулоҳазали аёл.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

СИРАЧ 1 *бот.* Пиёздошларга мансуб, адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик.

2 Шу ўсимлик илдизидан олинадиган кукун. *Буни [тайёр маҳсиларни] сотиб, чарм,*

ип, сирач, мум сингари косибчилик учун керакли ашёларни олади. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қоғоз, чарм ва ш. к. ни ёпиштириш учун шу кукундан сувга қориб тайёрланган, кўпинча этикдўзликда, косибчиликда ишлатиладиган елим. *Акбарали.. отасининг ёнида ип эшиб, сирач қорар, ойисининг ўғирда жўхори талқон туйиб, заранг косага бир қошиқ шинни солиб беришини тоқатсизлик билан кутарди.* А. Мухтор, Чинор.

4 *кўчма с. т.* Сурбет, хира, елим (одам ҳақида).

СИРАЧЛАМОҚ Сирач суртмоқ, сирач суртиб ёпиштирмоқ, сирач билан ёпиштириб ясамоқ. *Агар ҳаво варракбоп бўлиб, шамол турса, варракни шошиб-пишиб сирачлайман-да, қуримасданоқ кўтариб, томга югураман.* Ойбек, Болалик.

СИР-АЪМОЛ [сир + аъмол] *айн.* **сир-синоат.** *Унинг {Ражаб тегирмончининг] сир-аъмоли Ҳасан овчига маълум.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

СИРГОҲ [*а. + ф.* سرگاه – сирлар макони] *кам қўлл.* Сирлар макони, сирли макон. *Аввало шуни айтай: бу олам, дарҳақиқат, ғоят мураккаб сиргоҳ ва коргоҳдир.* В. Зоҳидов, Гўзаллик нимада?

СИРДОШ 1 Бир-бирига сирини ишониб айтувчи, ҳамдард кишилар (бир-бирига нисбатан). *Ёмон билан йўлдош бўлма, Нодон билан сирдош бўлма.* Мақол. ▬ *Улар бир-бирларига сирдош, ҳамфикр, меҳрибон бўлиб улғайдилар.* К. Яшин. Ҳамза. *Илгарилари ўт билан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *кўчма* Барча сир-асрори, тарихининг гувоҳи; асрдош. *Бахмал соҳилингга кўз тикиб қолдим, Асрлар сирдоши, эй улуғ дарё.* Ғайратий. *Дарё – саҳронинг азалий сирдоши. У ҳам қум рангида тўлғанади, у ҳам саҳродек чексиз ва қадимий.* А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловот.

СИРЕНА [*фр.* sirene < *лот.* siren < *юн.* seiren – юнон мифологиясида ўз қўшиқлари билан денгизчиларни хавфли, ҳалокатли жойларга чорловчи, бош ва кўкрак қисми аёл қиёфасидаги афсонавий қуш] Маёқ, кема ва ш. к. да қўлланадиган ва сиқилган ҳаво ёки буғ билан ишлайдиган, кучли товуш сигнали берадиган асбоб ва унинг сигнали. *Кема сиренаси.* ▬ *Йўлдош блиндаждан чиққанда, ўрмоннинг аллақайси бир еридан сирена чинқириғи эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

СИРЕНЬ [*нем.* Sirene < *лот.* syringa < *юн.* syrinx – найча; сибизға] *қ.* **настарин**. *Сирень кўчатини кузда ўтқазган маъқул.* «Фан ва турмуш». *Сиренлар, сиренлар, ҳар кун эрталаб Деразамни очиб кўраман сизни.* Х. Салоҳ, Чашма.

СИРИЛМОҚ 1 Сирмоқ фл. мажҳ. н. *Духоба сирилган диван.* ▬ *Шерали, бошлиқ кабинетидан чиқиб, рўпарадаги устига қора чарм сирилган эшикни очиб, хонага кирди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Сирмоқ 2, 3, 4 фл. ўзл. н. *Отлар эрталабдан бери сирилиб ётибди.*

Пиёз пўстидай сирилмоқ Очликдан сулаймоқ, оч қолмоқ, оч ўтирмоқ. *Чой-пой ичсак бўлар эди. Қорин ҳам пиёз пўстидай сирилиб кетди-ку.* О. Толибов, Анқов.

СИРИУС [*лот.* Sirius – Катта Ит юлдуз туркуми] Катта Ит юлдуз туркумининг бир юлдузи; осмон сферасидаги энг ёруғ ва Қуёшга яқин қўшалоқ юлдуз. *Сириус қўшалоқ юлдуз бўлиб, компонентлари бир-бирининг атрофида 50 йил давр билан айланиб туради.* «ЎзМЭ».

СИРИҚ *шв.* **1** Шипни тутиб, кўтариб туриш учун уй ўртасига ўрнатилган йўғон устун, тиргович. *Йигитчиликда ўйнаб-кулиб қолиш керак. Мана, ўзингиз ҳам қора сочу қора кўз, сириқдек йигитсиз.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Темир ёки ёғоч косов.

СИРКА I [*ф.* سرکه / سرکا] Сирка кислотанинг сувдаги эритмаси – меваларни консервалашда, овқатга қўшиладиган зиравор сифатида ишлатиладиган ўткир ҳидли, аччиқ-нордон мазали суюқлик (уй шароитида узум, олма ва ш.к. ширин меваларнинг шарбатидан ҳам махсус усулда тайёрланади). *Узум сиркаси. Овқатга сирка солмоқ.* ▬ *Овқатга мурч, пиёз, сирка кабиларни.. қўшиш, лимон суви ёки нордонроқ дорилар бериш иштаҳа пайдо қилиши мумкин.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Тўлаган энгашиб, дастурхоннинг бир четига соқолини артди, дон тиқилган товуқдай бўйнини чўзиб кекирди, сирка ичкандай афтини буруштириб: -Жуда тўйдим.. Азбаройи худо!..* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар.

Сиркаси сув кўтармайдиган (одам) Гап кўтармайдиган, таъби нозик одам. *Мажлисда унга: -Сен бола, чучварани хом санаб юрибсан. Шошма ҳали, жўжани кузда санаймиз. Бу қанақаси, сирканг сув кўтармайдиган бўлиб қопти, — дейишди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Ҳақиқатда,* [*Исмоил ота] сиркаси сув кўтармайдиган одам.* У. Назаров, Исмоил тажанг.

СИРКА II Бит тухуми. *Ёмондан ит яхши, Сиркадан бит яхши.* Мақол. *Боланинг эркаси — битнинг сиркаси.* Мақол.

СИРКАЛАМОҚ I Юмшатиш, таъм бериш учун сирка қўшиб аралаштирмоқ. *Пиёзни сиркаламоқ.* ▬ *-Бўлмасам-чи, — деди йигит кулумсираб, — гўшт-да бу, онахон, дудланган, сиркаланган, саримсоқ пиёзи бор, жа хушхўр.* Н. Аминов, Қалтис хато. *Бодрингни қишга тузлаб, сиркалаб ва консерва қилиб олиш эндиликда ғоят кенг урф бўлган.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

СИРКАЛАМОҚ II Тухум қўймоқ. *Бунақа жойда ҳар хил қурт, ҳашаротлар сиркалаб, ғуж-ғуж урчийди.* С. Нуров, Нарвон.

СИРКОЙИ Узумнинг аччиқ тури.

СИРКОР 1 *айн.* **сирчи.** *Сиркор уста.* ▬ *Меъморларимиз.. сиркор, наққош ва ўймакорлар билан яқиндан ижодий алоқада бўлишлари кутилмаган натижалар беради.* Газетадан.

2 Сирланган, сир (мойбўёқ) бериб ишланган, сирли. *Сиркор уй. Сиркор сопол идиш.* ▬ *Ҳамма икки тавақали сернақш, сиркор эшикнинг очилишини ва ўз номларининг айтиб чақиришларини кутиб турарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Исломбой чироғи чарақлаб турган ойнабанд, сиркор айвонда уст-бошидаги қорни қоқиш баҳонасида тўхтаб, ўртадаги деразадан разм солди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

СИРКОРЛИК 1 Нарсалар сиртига мойбўёқ бериб безатиш билан шуғулланиш; сиркор касби. *Сиркорлик касбини ўрганмоқ.*

2 Сир (мойбўёқ) билан ишланган безак, гул. *-Тўғри, — деди шипдаги сиркорликка зеҳн солиб ўтирган дўкон мудири [Холназаровга], — кеча комиссион магазинда бир буфет кўрдим.* «Муштум.

СИРЛАМОҚ 1 Сир (мойбўёқ) билан бўямоқ, гул солмоқ. *Деворларни сирламоқ.* ▬ *Фақат болохона тагидаги уй ўзгарибди: Оқланибди, янги эшик ўрнатилибди, сирланган деразаларда келинлик нишони бўлган нафис дарпардалар..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Сир ёки эмаль билан қопламоқ. *Сопол буюмларни сирламоқ. Тоғорани сирламоқ.* ▬ *У устидаги фуфайкасини ечаётиб, бурчакда турган чиройли, чети гулдор, сирланган оқ тоғарачага кўзи тушиб қолди.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 Амальгама билан қопламоқ. *Кўзгуларни сирламоқ.*

СИРЛАШМОҚ Бир-бирига сирларини айтмоқ, дардлашмоқ, дилидаги гапларини тўкмоқ. *[Ўзбек ойим ва Офтоб ойим] Сирлашиш учун бошқа уйга чиқиб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Мана, ич, — деди мешкобчи заранг косани тўлдириб узатиб, — ич, жигарим, энди сирлашадиган фақат иккимиз қолганга ўхшаймиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СИРЛИ I **1** Бошқалардан сир тутилган, яширин, махфий, сири бор. *Чўли бобонинг жой солаётганлар ёнига кетганидан фойдаланиб, Ҳорунбек Меъморга оҳиста сирли бир гапни шивирлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Улар серсоя дарахтлар остидаги салқин йўлакдан кетиб боришаркан, суҳбатлари яна қуюқлашиб, сирли тус олди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Замирида қандайдир бир сир яширинган; ажиб, ўзига жалб қилувчи. *Шеърият — ғоят бир сирли олам.* Газетадан. *Унинг узун киприклари ойдинда қоп-қорайиб кўринар, аллақандай сирли гўзаллик берарди чеҳрасига.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *«Тўй» сўзини эшитган Ойнисанинг вужудини сирли бир аланга қамради, юз-кўзи ўт бўлиб ёнди, тошкентликнинг отини ҳам ташлаб, уйи томон қочди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Бу гапингам тўғри, севги инсоннинг жуда сирли туйғуси деб бекорга айтмаганлар.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Ниманидир, қандайдир сирни яширган, аллақандай бир сири бўлган. *Саидғози.. тингловчиларни энтиктириш учун бир оз тўхтаб, залга сирли назар ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *У [Баҳром] менга қараб сирли кулди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *-Аканг келяпти, — сирли товуш билан деди Эргаш, — тағин анов кунга ўхшаб бир дўппосласа нима қиласан..* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

4 Қўрқинчли, ваҳимали; юракка қўрқув соладиган. *Шамол ўрмонни сирли, ваҳимали*

садолар билан тўлдирди. Ойбек, Қуёш қораймас. *Бир маромда пишқираётган океан аёлнинг кўнглига ваҳм солар, қоп-қора тошлар қўрқинчли ва сирли кўринарди.* «Ёшлик».

5 Илмий жиҳатдан ўрганилмаган, очилмаган, аниқланмаган, маълум бўлмаган. *Ҳамза кўнглида Ҳиндистон сафари иштиёқи туғилган пайтдан бошлаб бу сирли мамлакат ҳақидаги ёзма ва оғзаки маълумотларни ўргана бошлаган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Туздию Мирзо Улуғбек Кўрагоний жадвалин, Сирли осмон тоқига илк Қўйди нарвон ўзбегим.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

СИРЛИ II **1** *айн.* **сиркор** II. *Ағёрнинг сирли меҳмонхонасидан дўстингнинг сомонхонаси яхши.* Мақол. ▬ *-Бу яхши! Бухородек шаҳри азимда юзта кулол бўлса ҳам оз. Бозорларда идишлар кўпайсин, янги биноларга сирли сополлар кўпроқ етказиб берилсин, — деди Меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Сир ёки эмаль билан қопланган, сирланган. *Сирли челак.* ▬ *Қўлига сирли сопол коса тутган бир қизча қадамларини авайлаб босиб келди-да, косани Ойимхонга топширди ва тез чиқиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У тахта эшик занжирини тушириб, ичкари кирди. Кигиз ўртасидаги тугунга кўзи тушди. Очса — сирли тоғорада ош, икки шиша арок, нон, бозори кулчалар..* «Ёшлик».

СИРМА Усти бирор мато билан қопланган, устига бирор мато сирилган. *Сирма пўстин.*

Сирма тўн (*ёки* **чопон**) Пахтаси астар ва миён астар орасига олиб қавилган, устидан авра сирилган тўн. *Унинг бошида қулоқчинли телпак, эгнида кўк сирма калта чопон, чап енгига қизил мата боғлаб олибди.* П. Турсун, Ўкитувчи.

СИРМОҚ I **1** Устини мато билан таранг қилиб қопламоқ. *Диванни қизил духоба билан сирмоқ.*

2 Гавдага ёпишиб таранг турмоқ (кийим ҳақида). *[Аъзам] Бир келса, Таманнонинг ўзи ёлғиз. Худди бир маҳал кўрганидай, баданга сириб тикилган шим ва кофтада.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

3 Маҳкам қилиб боғламоқ. *Уста.. чорсисини белига сириб боғлаб, минбарга чиқди.* С. Аҳмад, Ҳодивой.

4 Арқонни калта қилиб боғламоқ, қантариб қўймоқ. *Отни устунга сириб боғламоқ.*

СИРМОҚ II Бирмунча вақт овқат бермай оч қўймоқ, оч қолдирмоқ ёки ўзини овқатдан тийиб, оч ўтирмоқ. *-Овқат-повқатинг борми, опкелсанг-чи, ўлдирдинг-ку сириб, — деди Икромжон Жаннат холага.* С. Аҳмад, Уфқ. *Жувозга қўшилган отдек чўзилиб, қулоғингиздан кун кўриниб қолибди-ку! Овқатдан ўзингизни сирманг, пул топилади, соғлиқдан ажраб қолманг яна.* С. Нуров, Нарвон.

СИРОП [*фр.* sirop < *а.* شراب — шарбат] Мева шарбати ва шакарни қайнатиб тайёрланган қуюқ қиём; шарбат. *Олча сиропи.*

СИРОТ [*а.* صراط / سراط — йўл] *дин.* Ислом манбаларида қиёмат куни, охиратда жаннатга бориш йўлида жаҳаннам (дўзах) узра тортиладиган қилкўприк [Форсларда ва мусулмон туркий халқларда «пулсирот, пули сирот» деб юритилади. Бунда форсча «пул» (پل) сўзи «кўприк» демакдир. *Таққосланг:* Тахтапул — ёғоч кўприк]. *Сирот кечмай, қаҳ-қаҳ кулма.* Мақол. ▬ *Қурбонлик қилмаган кишилар жаннатга ўзларича ўтишга уринсалар ҳам, сирот кўпригидан йиқилиб, дўзахга тушиб, қаттиқ азобланар эмиш.* Газетадан.

СИРПАНМОҚ 1 Силлиқ юза, сирт устида монесиз, тўсиқсиз сурилмоқ; сирғанмоқ, тойғанмоқ. *Сирпаниб йиқилмоқ. Сирпаниб кетмоқ.* ▬ *[Адолатнинг] Бошидан сирпаниб кетган паранжиси оёқларига ўралашиб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан инок ўйнашар эди.* Ойбек, Навоий.

2 Силлиқ муз, яхмалак ёки қор устида учмоқ, сирғанмоқ. *Тепаликдан сирпаниб тушмоқ. Конькида сирпанмоқ.* ▬ *Лой, тойғоқ йўлдан эшагимиз қийналиб қадам ташлар, гоҳ сирпаниб, гоҳ йиқилгудек мункиб кетарди.* «Ёшлик».

СИРПАНЧИҚ 1 Силлиқ, тойғоқ юза, сирт; сирғанчиқ. *Сирпанчиқ муз.* ▬ *Қаттиқ совуқ бўлиб, кўчалар сирпанчиқ бўлган кунларнинг бирида Афанди Тошкентга ташриф буюрди.* «Муштум».

2 Сирпаниш, коньки отиш учун махсус музлатилган жой, майдон. *Сирпанчиқда коньки учмоқ.* ▬ *Болалар танаффусда бири қорбўрон ўйнаб, бири сирпанчиқ учиб юришарди.* Газетадан.

Сирпанчиқ отмоқ Силлиқ муз ёки қор устида учмоқ, сирпаниб ўйнамоқ. *Вали йўл-йўлакай сирпанчиқ отиб келаркан, ўзидан олдинда кетаётган қизчани туртиб юборди.* Газетадан.

3 *тех.* Станок, мослама, қурилма ва ш. к. нинг сирпанувчи қисмлари сурилиб юрадиган силлиқ йўналтирувчи қисми.

СИРРА: сирра бўлмоқ Нима иш қилишини билмай гаранг бўлмоқ, серраймоқ. *Офтоб ойимга бу хат музлик сувга шўнғитиб олиш таъсирини берган ва ўтирган ерида сирра бўлиб қотиб қолган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳардамхаёллик билан эшикни очиб, Қобил тоғанинг уйига кирдим-у, ўтиришни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмай сирра бўлиб қолдим.* Газетадан.

СИР-СИНОАТ [сир + синоат] *қ.* **сир** I **1, 2.** *Ростдан ҳам нима бўляпти ўзи? Ё ўртада мен.. билмаган қандайдир сир-синоат бормикин?* О. Ёқубов, Излайман.

СИРТ 1 Нарсаларнинг ташқи томони, ташқи юзи. *Ер сирти. Ой сирти. Сирти кўк идиш. Мол оласи сиртида, одам оласи ичида.* Мақол. ▬ *Бу чойнакнинг сирти ажойиб нақшлар билан безатилган экан.* «Олтин олма». *Кун тиғ тортиб, дарёнинг у томонидаги адирларнинг сирти тўқ яшил, жилғалари қора тусга кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Нарса ёки кимсанинг ташқи қиёфаси, кўриниши; зоҳирий томони. *Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ.* Мақол. *Сирингни сиртингга чиқарма.* Мақол. ▬ *Демак, у сиртдан ҳуснга қанчалик бой бўлса, маънавий жиҳатдан ҳам шунча бой экан-ку!* К. Яшин, Ҳамза. *Булар сиртдан мағрурдек кўринадилар. Бироқ бу мағрурликка кирмайди, буни кибр дейилади.* Шукрулло, Сайланма.

3 Ташқари, чет. *Душманнинг сиртида эмас, ичида бўл.* Мақол. *Синалмаган отнинг сиртидан ўтма.* Мақол. ▬ *Зумрад ҳануз сиртда ийманиб турарди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Мен қўл қўйиб, муҳр босар эдим-у, лекин сиртдан туриб сизларга ёрдам берганим мақбул.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Йўқ, шоир ҳиссини бўлмайди алдаб, Сиртдан баҳо бериб бўлмас кишига.* Шукрулло, Сайланма.

4 *мат.* Геометрик шаклнинг ташқи юзи, умумий қисми. *Шар сирти. Цилиндрнинг ён сирти. Ботиқ сирт. Уюрма сирт.* ▬ *Фанда сиртнинг хусусиятларини ўрганувчи бутун бошли йўналишлар мавжуд.* «Фан ва турмуш».

5 *геогр.* Тизма тоғ чўққилари. *Агар мана шу Музлоқ тоғнинг чўккалаган нор туянинг ўркачига ўхшаган сиртига чиқилса, кишининг кўзи олдида бир-бирига зид икки дунё очилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Сиртдан 1) ташқи томондан, ташқи кўринишидан. *Қиз сиртдан кўримсизроқ бўлса-да, кўзларида қандайдир сеҳр бордек эди.* «Ёшлик»; 2) шунчаки йўлига. *Капсанчилар сиртдан муросага келган бўлиб, зиммаларига тушган вазифаларни мумкин қадар тезроқ бажаришга сўз бериб тарқалишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) ғойибона, четдан. *Сизни сиртдан танирдим, сиз тўғрингизда кўп эшитганман.* К. Яшин, Ҳамза; 4) зимдан; яширинча. *Сиртдан гапириб юрмоқ. Сиртдан иш битирмоқ.* **Сиртдан қараганда** Бир қарашда, шунчаки йўлига, юзаки қараганда. *Эсон бобо сиртдан қараганда бепарводек кўринса-да, милтиқни ўғли олмаганини аниқ билгач, юрагига ғулу тушди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. **Сиртдан ўқиш** Ўқув юртига қатнамай, мустақил шуғулланиб ўқиш (*яна қ.* **сиртқи**). *Тоштемир сиртдан ўқиб, педагогика институтини тугаллаб, диплом олишни орзу қилар эди.* Газетадан. **Сиртига сув юқтирмаслик** Сира ўзига олмаслик, парво қилмаслик. *Миркомил ака ғала-ғулага азият чекадиганлардан эмас. Сиртига сув юқтирмайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

СИРТЛОН *зоол.* Ўлимтик билан озиқланадиган, бўйнида ёли бор, ранги яшаш жойига мослашадиган йиртқич сутэмизувчи ҳайвон. *Икки сиртлон бир сиртлоннинг сиртин йиртар.* Мақол. ▬ *Ғазабингни яширолмай Мисли сиртлон, мисли шер, Тишларингни ёвга санчсанг — Бу энг қутлуғ, улуғ шеър.* Х. Даврон, Болаликнинг осмони.

СИРТМОҚ 1 Арқон, чизимча ва ш. к. ларнинг бўйинбоғ шаклида суриладиган ва сиқиладиган қилиб боғланадиган учи. *Сиртмоқ солмоқ. Дорнинг сиртмоғи.* ▬ *Қари солдат дор тагидаги тўнкаларни қимирлатиб кўрди, сиртмоқнинг тугунини синчиклаб текширди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. -*Раҳмонқул дорга осиладиган бўлса, мен ўзим сиртмоқ ташлаб бераман, — деди Ғани ота.* Ғ. Ғулом, Маъшал.

2 *кўчма* Асорат, сиқув, исканжа. *Ажал сиртмоғи.* ▬ *«Агар сенга ўхшаганлардан яна бир-иккитаси бўлса, покиза ҳаётнинг булғаланиши, соф муҳаббатнинг туҳмат сирт-*

моғида жон бериши ҳеч гап эмас!» деганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Агар ишлари чаппасидан келса-ю, Шайбонийхоннинг қопқонига тушсалар, ажал сиртмоғи энг аввал Бобурнинг бўйнига тушишини ҳаммалари билардилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

СИРТМОҚЛАМОҚ Сиртмоқ солмоқ, сиртмоқ солиб боғламоқ ёки бўғмоқ. *Подшо айтди: -Ингичка симдан чилвир қилинглар, ҳалқа қилиб бўйнига солинглар, сиртмоқлаб, тилла дорга илинглар.* «Эрали ва Шерали».

СИРТҚИ 1 Нарса ёки кимсанинг ташқи, устки томонига оид; сиртидаги, ташқи. *Бинонинг ички ва сиртқи томони. Сиртқи кўриниш.*

Сиртқи дори Ичга ютиб ёки ичиб истеъмол қилинмайдиган дориларнинг умумий номи (мас., кўзга томизиладиган, ярага суртиладиган ва ш.к. дорилар).

3 Ўқув юртига қатнамай ўқишга доир. *Сиртқи ўқиш. Сиртқи таълим. Институтнинг сиртқи бўлими.* ▬ *Ваҳобжон ўтган йилнинг августида сиртқи институтга имтиҳон топширгани Тошкентга тушган эди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

СИРЧИ 1 Мойбўёқ билан ишловчи уста; сиркор. *-Аммо сиз, болаларим, ишнинг оғирини ўз зиммаларингизга олинг. Бундан буёғи сирчиларга, кошинпазларга ёрдам қилинг; кўпи кетиб, ози қолган [деди Меъмор шогирдларига].* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кўзгу ясовчи уста.

СИРЧУМЧУҚ Қораялоқлар оиласига мансуб қуш. *Ўзбекистон чўлларида қора бошли сирчумчуқ ёки қора сирчумчуқ уя қуради.* «ЎзМЭ».

СИРҚИМОҚ 1 Сизиб ўтмоқ, томчилаб оқмоқ. *Бочкадан сув сирқиб турибди.* ▬ *Унинг эски тринка шимининг почаларидан сув сирқиб оқар, эгнидаги бенур чит кўйлаги шалаббо бўлиб, баданига ёпишиб кетган эди.* Н. Фозилов. Дийдор.

СИРҚИНДИ 1 Идиш тагида қолган суюқлик, қолдиқ. *-[Газнинг] Ҳаммасини тортиб олиб бўлмаяпти, масофа узоқ, сирқиндиси қолади, — деди йигитларга.* А. Мухтор, Чинор. *-Ёнмайдиган сирқинди мой экан! — деди Маҳмуд жувозкаш йигитга таъна қилиб.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Қолдиқ, сарқит; эскилик сарқити. *Мен ёзмоқчи бўлиб турган ҳикоянинг қаҳрамони ҳам ўша эски сирқинди типларидан бири эди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

СИРҚИРАМОҚ *айн.* **зирқирамоқ**. *Ёдгор совиб қолган чойдан ичди. Колбаса емоқчи бўлган эди, тиши сирқираб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Дадавойнинг кирза этикдаги болдир суяклари тиззасигача сирқиради, кетаётган ерида бир нафас тўхтаб, нафасини ростлашга мажбур бўлди..* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

СИРҚИТМОҚ 1 Сирқимоқ фл. орт. н.

2 Бир томчи ҳам сув, суюқлик қолдирмай бўшатмоқ. *Идишни сирқитмоқ.* ▬ *Шарифпиён бирпас сукут сақлаб, ароқнинг қолганини пиёлага сирқитиб, бир кўтаришда ичди ва қаттиқ уф тортди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СИРҚОВ Касал каби лоҳас, ланж, беҳол. *Она юртнинг ҳатто суви Не сирқовга даво, дерлар.* Миртемир, Асарлар.

СИРҚОВЛАНМОҚ Бетоб кишидек беҳол, бемажол юрмоқ; дармонсизланмоқ; ланж, лоҳас бўлмоқ. *Фарида касал одамдек сирқовланиб, ҳеч нима ёқмай юрди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Охунбува ака қиши билан сирқовланиб юриб, кўклам чиқиш олдида дунёдан ўтди, беш бола тепасида чирқираганча қолди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

СИРҒА Қулоққа тақиладиган безак буюм; исирға, зирак. *Кумуш сирға.* ▬ *Ҳусниддин тўхтаб туриб, марварид сирғаларини серкиллатиб келаётган Қандолатхон билан омонлашди.* Мирмуҳсин, Феълан кучсизлик. *Даволовчи врач келди. Унинг ҳам эгнида оқ халат. қалин лаблари бўялган, қулоғига шапалоқдек сирға тақиб олган, хушрўй жувон.* Н. Аминов, Қалтис хато.

СИРҒАЛИҚ *шв.* Қулоқнинг сирға тақиладиган пастки юмшоқ қисми; солинчак.

СИРҒАЛМОҚ 1 *айн.* **сирпанмоқ 1.** *Осмонўпар иморатлардан завқланиб, гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга зеҳн солиб бораркан, тасодифан оёғи сирғалиб, чалқанчасига қулаб тушибди.* «Муштум».

2 Сурилиб, айланиб кетмоқ. *Кетмоннинг силлиқ дастаси қўлида сирғалиб кетавергач, кафтига туфлаб қўйди.* «Ёшлик».

3 Сирт устида пастга қараб секин ҳаракатланмоқ. *Бола отасининг қўлидан сирғалиб тушиб, ўзи чопқиллаб кетди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Хонзода бегимнинг сўлғин юзига кўзларидан ёш сирғалиб тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Кампирнинг ёноқ-*

лари бўртиб чиққан. Рўмоли сирғалиб, елкасига тушган. Т. Малик, Ажаб дунё.

4 Сездирмасдан, секингина сурилмоқ, силжимоқ, юрмоқ. *Дераза олдидан иккита шарпа сирғалиб ўтди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Руқия чаққонлик билан ҳовлидан сирғалиб чиқиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

СИРҒАЛУВЧИ Сирғанувчи, сирпанувчи, сурилувчи. *Станокнинг сирғалувчи қисми.*

Сирғалувчи ундошлар *тлш.* Фрикатив товушлар.

СИРҒАНИШ 1 Сирғанмоқ фл. ҳар. н. *Музда сирғаниш.*

2 *физ.* Бир юзанинг иккинчи юзада айланмай силжиши. *Сирғаниш коэффициенти. Сирғаниш подшипниги.*

СИРҒАНМОҚ *айн.* **сирпанмоқ 1**. *Сирғаниб кетмоқ. Сирғаниб йиқилмоқ.* ▬ *Шамол дераза ойнасига қайириб ураётган томчилар кўз ёшидай секин пастга сирғаниб тушарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СИРҒАНУВЧИ 1 Сирғанмоқ фл. сфдш.

2 *махс.* Бирор юзада айланмасдан силжувчи. *Сирғанувчи нур. Сирғанувчи вектор.*

СИРҒАНЧИҚ *айн.* **сирпанчиқ 1**. *Сирғанчиқ муз.* ▬ *Эрталабдан ёмғир шивалай бошлади. Қақраб ётган ерларнинг юзи ялтираб, сирғанчиқ бўлиб қолди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Шишадай ялтираб қолган ер бети музлай бошлаган, оёқ ости сирғанчиқ эди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

СИРҒИЛМОҚ *айн.* **сирғалмоқ.** *[Гулноз] Бу гал ҳам қўл учини сочиққа артди-да, супадан сирғилиб тушиб, уйига кирди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *-Атрофдаги барча нарсаларни унутиб, уни [асарни] ўқий бошладим. Ёноқларимдан кўз ёш доналари сирғилиб оқарди, — деди Ҳалима.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *У [Тоштемир] ёмғирда бир нафас турди-да, кейин тўпдан секин сирғилиб чиқиб кетди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

СИРҒОҚ 1 Серёмғир вақт, ёғингарчилик. *Эскичасига «қирқ кун қурғоқ ёки қирқ кун сирғоқ», дердилар. Мана шу «сирғоғи» бошланганга ўхшайди.* Мирмуҳсин, Жамила.

2 *айн.* **сирпанчиқ 1**. *Сирғоқ йўл.*

СИР-ҲОЛ [сир + ҳол] Сир-асрор, ҳол-аҳволлар мажмуи. *Алпомиш билан Барчин бирбирини кўриб, сир-ҳолини билиб, шундай бўлиб юрди.* «Фольклор».

СИСТЕМА [*юн.* systema — яхлит; қисмлардан таркиб топган] **1** Иш-ҳаракат, турли жараён ва ш. к. ларда қисмларнинг ўзаро жойлашиши ва боғлиқлигидаги тартибот, тизим.

2 Нарса, ҳодиса ва тушунчаларнинг таснифи. *Линнейнинг ботаник системаси.*

3 Бирор таълимотда асос бўлган қоидалар, қарашлар, тамойиллар мажмуи. *Декартнинг фалсафий системаси.*

4 Бирор иш методлари, тартиб-усуллари мажмуи. *Даволаш системаси. Таълим-тарбия системаси.* ▬ *Таълим-тарбия савиясини оширишда кабинет системасига ўтиш ўзининг афзалликларини кўрсатаётир.* Газетадан.

5 Қонуний тартибда жойлашган ва ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган бутунлик. *Тилнинг товуш системаси. Терминологик система. Қон томирлар системаси.* ▬ *Маълумки, замин — Ер сайёраси Қуёш системасида коинотнинг бир кичик бўлаги сифатида пайдо бўлди ва тараққий этди.* Газетадан. *Олимларнинг якдиллик билан айтишларича, марказий нерв системаси ғоят нозик нерв ҳужайраларидан иборат.* «Саодат». *Элементлар даврий системасини яратган Менделеев университетга кириш учун бир неча марта уринган, лекин ҳар сафар.. химиядан «йиқилган».* «Фан ва турмуш».

6 Вазифаларига кўра бир хил ёки ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлиб бирлашган ташкилотлар ёки муассасалар мажмуи. *Халқ маорифи системаси. Фанлар академияси системаси.*

7 Бир мақсад, айни бир иш, вазифани бажариш учун белгиланган мослама, машина, механизм ва ш.к. дан таркиб топган яхлит техник қурилма. *Иситиш системаси. Энергетик система. Суғориш системаси.* ▬ *Унинг ташаббуси билан боғча газлаштирилди, қишда буғ билан иситиш системасига ўтказилди.* Газетадан.

8 Бирор ишни ташкил этиш, уюштириш ёки амалга ошириш шакли, принципи. *Сайлов системаси. Меҳнатга ҳақ тўлаш системаси.*

9 Ижтимоий тузум, ижтимоий қурилиш шакли.

10 Меъёрий, одатий, мунтазам тусга кирган, шу тарзда амалга ошадиган иш-ҳаракат, жараён. *Эрталабки гимнастика ўзига хос системага айланди.*

СИСТЕМАЛИ 1 Муайян системага асосланган; мунтазам, тартибли. *Системали иш.*

Ишни системали равишда олиб бормоқ. ▬ *Боладаги мавжуд қобилиятни юзага чиқариш уни системали меҳнатга ўргатишдан иборат экан.* «Фан ва турмуш».

2 Муттасил, мунтазам. *Машғулотларга системали равишда қатнашмоқ.*

СИСТЕМАСИЗ Маълум системаси, режаси бўлмаган; тартибсиз, бетартиб, палапартиш. *Системасиз иш. Системасиз баён.*

СИСТЕМАТИК Муайян системага, тартибга асосланган; системали, тартибли, мунтазам. *Систематик машғулот.*

СИСТЕМАТИКА [*юн.* systematikos – тартибга солинган] **1** Бир турдаги, ўзаро боғлиқ нарса ва ҳодисаларни уларнинг умумий белгиларига кўра таснифлаш, гуруҳлаш.

2 Биологиянинг ҳозирда мавжуд бўлган ва қирилиб кетган ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларни ҳар томонлама тавсифлаш, улар ўртасидаги қариндошлик муносабатларини, турларнинг пайдо бўлиш йўлларини аниқлаш ва турлар бўйича таснифлаш билан шуғулланадиган бўлими. *Ҳайвонлар систематикаси. Ўсимликлар систематикаси.* ▬ *Систематика тирик табиатни муҳофаза қилишни ташкил этишда бениҳоя катта аҳамиятга эга.* «ЎзМЭ».

СИТАМ [*ф.* ستم – жабр-зулм, жабрлаш; зўравонлик] **1** Жабр, жафо, зулм. *Ситам қилмоқ.* ▬ *Барча шодлик сенга бўлсин, Бор ситам, зорлик менга. Барча дилдорлик сенга-ю, Барча хушторлик менга.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. *Мана, ўша дамлар келди, юрагида йиғилган ҳамма дарду ситамлари, ҳамма алам, ҳамма исёнларини тўкса арзийдиган қасосли онлар келди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *[Гули]: Алишер, не учун хўрлик яралган, Нечун жабру ситам, зўрлик яралган.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

СИТАМГАР [*ф.* ستمگر – зўравон, жабр, ситам қилувчи] **1** Жабр-зулм қилувчи; эзувчи, золим. *Ситамгар фалак.*

2 *кўчма* Ноз-истиғнолари, ғамзаю ситамлари билан куйдирувчи, адо қилувчи. *Ситамгар ёр.* ▬ *Мен кимга бориб йиғлай, ул шўхи ситамгардан! Юрт-элга бутун телба, афсона қилиб кетди.* Ҳамза.

СИТАМДИЙДА [*ф.* ستمدیده – жабр-зулм, ситам кўрган] *кам қўлл. айн.* **аламдийда**.

СИТАМКОР [*ф.* ستمکار – зўравон, зулмкор] *кам қўлл. айн.* **ситамгар.** *Отаси ўлимидан кейин уйдан қувиб юборган ситамкор ўгай онага у яна керак бўлиб қолибди-да!* Мирмуҳсин, Умид. *Нима қилдинг, ситамкор дунё, Нега мени яратдинг ёлғиз?* «Шарқ юлдузи».

СИТАМЛИ Аламли, дард-оғриқли; дард-алам ифодаловчи. *Севгининг ширин онлари.. сингари ситамли алами, шафқатсиз кулфати ҳам бўлади.* М. Жўра, Изтироб.

СИТИЛМОҚ 1 Ситмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Яраси ситилибди.*

2 Эскириб, тўзиб, у ер-бу еридан йиртилмоқ ёки чокидан кетмоқ. *Чопон чокидан ситилибди.* ▬ *Салтонбу ситилиб кетган эски кўрпага ўралиб, дарча ёнида ётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Кўзим ситилсин (*ёки* **ситилиб оқсин**) Қасам ибораси. *Мен агар шу акамни ёр демасам, Ситилиб оқсин икки кўзимнинг бириси.* «Қўшиқлар».

СИТМОҚ Сиқиб ичидагини чиқармоқ, ажратмоқ. *Ярани ситмоқ.* ▬ *Баъзи одамлар данаги олинган олча мураббосини яхши кўрадилар. Лекин олчанинг данагини қўл билан ситганда, шарбати оқиб кетади.* «Саодат».

Ситиб чиқармоқ 1) қисиб чиқариб юбормоқ, олиб ташламоқ. *Зирапчани ситиб чиқармоқ;* 2) *кўчма* тазйиқ билан йўқ қилмоқ, чиқариб ташламоқ. *Ахир дину имонни мусулмон дилидан ситиб чиқариб бўлмайди-ку?* К. Яшин, Ҳамза.

СИТОР [*хинд.* ستار / سہتار] Ҳиндистон ва Покистонда: торли-тирнама мусиқа чолғу асбоби. *Ситорни такомиллаштирган ва (унинг) илк моҳир ижрочиси Хусрав Деҳлавий ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

СИТОРА [*ф.* ستاره – юлдуз; тақдир, қисмат] *эск. кт. айн.* **юлдуз.**

Ситораси иссиқ *айн.* **истараси иссиқ** *қ.* **истара**. *Охири бир куни «Сорахон хунук, бу – рост, аммо ситораси иссиқ», деган фикрга келди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

СИТРО [*фр.* citronnade – лимондан тайёрланган ичимлик] Мева шарбатидан тайёрланадиган, чанқов босувчи ичимлик. *Лимонад, ситрога ўхшаш ичимликларни тайёрлаган чоғда бутилкага насос ёрдами билан, босим остида карбонат ангидрид юборилади.* «Кимё».

СИТУАЦИЯ [*фр.* situation < *лот.* situatio – аҳвол, вазият] *қ.* **вазият 1, 4.** *Қулай ситуация.*

СИФАТ [*а.* صفت – хосса, хусусият, хислат, характер] **1** *флс.* Нарса, воқеа, ҳодиса ва ш. к. ни уларнинг ўзига хос белги ва ички

хусусиятларига кўра ифодаловчи фалсафий тушунча. *Миқдорнинг сифатга айланиши.*

2 Нарсанинг, кимсанинг ижобий ёки салбий хусусияти, фазилати, хислати. *Инсон сифатлари ичида камтарлик энг яхши фазилатдир.* Газетадан. *Навоий Ҳусайн Бойқарода шоирлик, илмпарварлик сифатларини кўрди.* Ойбек, Навоий. *[Домла ўз-ўзига:] ..Ҳурматли китобларда айтадилар: «Сабрлилик — худонинг ояти, сабрсизлик — шайтоннинг сифати». Шуларга амал қилиб, бир оз сабр қилмоқ керак.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Молнинг, маҳсулотнинг ёки ишнинг яроқлилик даражаси, қўйилган талабларга қанчалик жавоб бера олишини белгиловчи хусусияти. *Маҳсулотнинг сифатини яхшиламоқ. Ишнинг сифатини оширмоқ.* ▬ *Ноннинг сифати унинг намлиги.. ва ғоваклиги каби хоссалар билан белгиланади.* Ғ. Маҳкамов, Дастурхонимиз файзи. *Фабрикамизда илғорлар жуда кўп, улар ҳам маҳсулот кўлами учун, ҳам сифати учун курашадилар.* Газетадан.

4 Қўшма сўз таркибида «ўхшаш», «-симон» каби маъноларни билдиради, мас., *девсифат, одамсифат, улуғсифат.*

5 *тлш.* Предметнинг белгисини билдирувчи сўзлар туркуми. *Нисбий сифат. Туб сифат. Сифат даражалари.*

Сифатида Вазифасида, ўрнида, =дек. *Бир адиб сифатида айтишим мумкинки, бундай фазилатга эришиш осон эмас.* С. Кароматов, Олтин қум. *Мен телепатияга ишонаман. Ғарбда телепатия махсус фан соҳаси сифатида ўрганилаётган эмиш..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СИФАТДОШ *тлш.* Феълнинг сифатга хос вазифани бажарувчи, предмет белгисини билдирувчи шакли, мас., *чиниққан бола, куйлаётган қиз.*

СИФАТЛАМОҚ Бирор жиҳатдан характерламоқ, сифатини ёки сифатларини таърифлаб бермоқ. *Яхши томондан сифатламоқ.*

СИФАТЛАНМИШ *тлш.* Сифатловчи аниқлаб-сифатлаб келадиган сўз; аниқланмишнинг бир тури.

СИФАТЛАШ 1 Сифатламоқ фл. ҳар. н. *Яхши томондан сифатлаш.*

2 *ад.* Предметнинг бирор хусусиятини ажратиб кўрсатиш ёки унга бошқа бир предметга хос хусусиятни кўчиришдан иборат бадиий-тасвирий восита; эпитет. *Шунга асосланиб, тасвирий воситалардан ўхшатиш, метафора, сифатлашни ўхшашли кўчимларга; синекдоха, метонимия, муболаға, кичрайтириш, аллегория, қочириқ ҳодисаларини ўхшашсиз кўчимга киритиш мумкин.* «ЎТА».

СИФАТЛИ 1 Сифат жиҳатидан талабга тўла жавоб берадиган, сифати яхши. *Сифатли мол. Сифатли иш.*

2 Аниқловчи орқали ифодаланган сифатга эга бўлган. *Аъло сифатли мол. Ёмон сифатли маҳсулот.* ▬ *«Майин жун деб юқори сифатли қўй гўшти, диркиллаган думба ёғидан айриламиз денг»,— Шербек ёлғиз ўзи кетаётиб уйга чўмди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Деворда ва ерда қимматбаҳо гиламлар, аъло сифатли чет эл гарнитури.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

СИФАТЛОВЧИ *тлш.* Предметнинг белгисини-сифатини билдирувчи сўз; аниқловчининг бир тури.

СИФАТСИЗ Сифат жиҳатидан талабга тўла жавоб бера олмайдиган, сифати ёмон, паст. *Сифатсиз маҳсулот. Сифатсиз иш.* ▬ *Ичкиликнинг иқтисодий зарари ҳам катта: у меҳнат интизомини бузади, унумдорликни пасайтириб, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл очади.* Газетадан. *Сув исрофгарчилигига, суғоришни сифатсиз ўтказишга қатъий барҳам берингиз!* Газетадан.

СИФИЛИС [Syphilus — итальян врачи Ж. Фракасторонинг шу касаллик ҳақидаги достони қаҳрамони — чўпон Сифилус номидан] *айн.* **захм** II.

СИФОН [*юн.* siphon — найча] **1** Суюқликни юқорироқ сатҳдаги идишдан пастроқ сатҳдаги идишга ўтказувчи, турли узунликдаги тирсаклари бўлган букик найча.

2 Карбонат ангидрид босими остида найча орқали қуйилувчи ичимликни газлаштириш учун мўлжалланган идиш.

СИФР [*а.* صفر — ноль; ҳеч нарса] *эск. айн.* **ноль 1**.

СИХ [*ф.* سيخ — кабоб сихи, чўпи; учли таёқ; бигиз] Кабоб пишириш учун металлдан, баъзан ёғочдан тайёрланадиган учи найза чўп. *Бир сих кабоб. Гўштни сихга тортмоқ.* ▬ *Дастурхонда кабоб сихлари, ичиб тугалланмаган коньяк, вино шишалари турибди; каравотда кимдир хуррак тортмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ўртага кабоб келди. Аъзамжон ака ўз қўли билан икки-икки*

сихдан расамади билан меҳмонларнинг ликопчасига қўйди. С. Аҳмад, Сайланма.

Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам Ҳеч кимга, ҳеч қайси томонга зарар бўлмасин, иш икки томон учун беозор битсин. -*Биласизми, нима? — раис уларни келиштирмоқчи бўлди, — келинг, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам деганларидек, иккаласига беш баҳо бериб қўя қоламиз, майлими?* «Муштум».

СИХЛАМОҚ 1 Сихга тортмоқ, сихга тизмоқ.

2 Учини сихга ўхшатиб найзаламоқ.

СИХМОЛА [сих + мола] *қ.х.* Тишли мола, борона. *Аямларнинг бригадаси шийпони олдида сихмола кўргандим. Ўшани кечаси обкелиб, ишлатволиб, тағин жойига элтиб қўйсак-чи?* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

СИЧҚОН 1 Ер юзида кенг тарқалган, хавфли касалликлар тарқатадиган кичик кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Шу пайт аммамнинг яқинда болалаган тарғил мушуги, оғзида сичқон тишлаганча, уйга кириб кетди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Қаердадир юлғун тагида чўл сичқоними, нимадир ногоҳ шитирлади-ю, Зулхумор чўчиб тушди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Мучал йил ҳисобида биринчи йил номи. *Унинг йили — сичқон.*

Сичқон йили Мучал йил ҳисобида биринчи йил (*қ.* **мучал**).

Арслоннинг ўлиги — сичқоннинг тириги Катта мартабали киши мартабасидан тушганда ҳам, оддий кишилардан юқори туради, катталигича қолади, деган маънодаги ибора. **Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига** Имкониятларини ҳисобга олмай дахмаза орттирган кишига нисбатан айтиладиган мақол. **Сичқон сурди** Касалликдан эндигина тузалган киши биринчи бор уйидан чиқиб, бирор жойга борганда айтиладиган ибора. -*Ҳамзахонни бугун-эрта сичқон сурди қилиб, кўчага олиб чиқамиз, холажон, худо хоҳласа, — деди Умар полвон қўлидаги тугунни Жаҳонбувига узатиб.* К. Яшин, Ҳамза. **Сичқоннинг ини минг танга** Қочишга жой топа олмай қолинган пайтда айтиладиган ибора. *Мадрасалар ҳам жимжит, фалакиёт мударрислари, ҳандасаю риёзиёт муллолари учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СИЧҚОНЧА *тех.* Компьютерни бошқариш пульти. *Компьютер сичқончаси.*

СИҚИЛИШ 1 Сиқилмоқ фл. ҳар. н. *Троллейбусда одам сиқилиб кетди.. Бундай ҳолларда йўловчиларнинг бир-бирларига урнинишлари, туртинишлари, сиқилишлари табиий.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

2 Одамлар тирбанд ҳолат, тиқилинч. *Сиқилишда қолмоқ.*

3 *физ. тех.* Ташқи куч таъсири остида жисмнинг ҳажми торайиб, зичланиши. *Жисмларнинг сиқилиши.*

СИҚИЛМОҚ 1 Сиқмоқ 1, 2 фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Совуқдан сиқилган жисм. Сиқилган газ.* ▬ *Иккита забардаст одамнинг ўртасида сиқилиб, қимирлашга ҳам журъат этолмай кетаверди!* Ф. Мусажонов, Нозик масала.

2 (*ч. к. билан*) Танглик сезмоқ, толиқмоқ, зориқмоқ. *Пулдан сиқилмоқ. Рўзғордан сиқилмоқ.*

3 Руҳан эзилиб ёки зерикиб диққат бўлмоқ, диққати ошмоқ, зиқ бўлмоқ. *У кунларни эсласам агар, Сиқиламан, юрагим титрар.* Ғайратий. *Анвархоннинг кўнгли эзилган эди, қаршисида ўтирган, руҳан сиқилган йигитнинг аҳволини яхши тушунган эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

Юраги сиқилмоқ Юраги зиқ бўлмоқ; руҳан эзилмоқ, қийналмоқ. *Кампири минғирлаган овоз билан зорлана бошлаганда, чолнинг юраги сиқилиб кетди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

СИҚИЛУВЧАНЛИК *физ.* Моддаларнинг турли кучлар таъсирида ўз ҳажмини ўзгартириш хусусияти. *Газнинг сиқилувчанлиги.* ▬ *Табиатда мавжуд моддаларнинг барчаси сиқилувчанлик хусусиятига эга.* «ЎзМЭ».

СИҚИМ Нарса чангаллаб сиқилган кафт ва шу кафт орасига олинган нарса миқдори; қисим. *Сиқимини тўлдириб-тўлдириб писта олмоқ. Ошга бир неча сиқим сабзи солмоқ.* ▬ *Мирвали банги бировнинг қўлидаги беданани кўриб, дидига ўлтирадиган бўлса, сиқимида салмоқлаб кўриб, «ҳамма жойи ҳам келган экан», деб қўяди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Бир сиқим 1) кафт билан чангаллаб олинган миқдордаги, бир қисим. *Қўлимда бир сиқим Тошкент тупроғи, Узоқ ўтмишларга элтади хаёл.* Р. Бобожон, Танланма; 2) озгина, бир чўқим. «*Камбағал одамга бир си-*

қимгина ош яхши..» деб, таомдан сўнг бирон соат ғоз патидан ясалган тишковлагични олиб, тишини ковлаб юради.. Мирмуҳсин, Умид; 3) кичкина, ушоқ. *Кампирдан садо чиқмади. У бир нарсадан қўрқиб кетган боладай, иягини тиззасига қўйиб, зинада бир сиқимгина бўлиб ўтирарди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Қарасам, пункт бошлиғи, қабул қилмайман, деб тағин тихирлик қиляпти: нимадандир ғайирлиги ёки қандайдир тамаси борга ўхшади. Ўзи бир сиқимгина йигит.* Газетадан.

СИҚИМЛАМОҚ Кафт билан чангаллаб олмоқ, чангаллаб сиқмоқ, ушламоқ, қисимламоқ. *Қўрққанимдан ётган еримдаги ўтларни сиқимлаб юла бошладим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Дашт қўйнига кирди-ю Илк бора наъра солди. Ташна ер бағридан у Сиқимлаб тупроқ олди.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. *Воҳид жонжаҳди билан сиқимлаган наъматак тиканлари кафтига эмас, юрагига санчилди гўё!* «Саодат».

СИҚИШ 1 Сиқмоқ фл. ҳар. н. *Қўлга олиб сиқиш.*

2 *физ. тех.* Босим, куч таъсири остида ҳажмини кичрайтириб зичлаш, қисиш.

СИҚИШТИРМОҚ 1 Сиқиб, зичлаб жойлаштирмоқ. *Нарсаларни чамадонга сиқиштириб жойламоқ.* ▬ *Омон мумкин қадар қўйларни темир йўлга яқинлаштирмасликка уринар ва кўчанинг девор томонига сиқиштириб олиб борар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Сиқув остига, исканжага олмоқ, сиқув остида текширмоқ. *Нор опа Жанишнинг ўша нарсаларини ундириш учун келиб, оқсоқолни сиқиштираётган экан.* Ҳ. Шамс, Душман.

СИҚИҚ 1 Сиқилган, қисилган, сиқимланган. *Сиқиқ мушт.*

2 Тор, кичкина. *Кичик масжид қишлоқнинг Эшон маҳалла деб аталган қисмида бўлиб, сиқиқроқ бир хонақоҳ ва торроқ бир айвондан иборат.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Ҳақ-ҳуқуқдан, эркинликдан маҳрум; сиқув, исканжа остидаги; танг. *Сиқиқ вазият. Сиқиқ ҳаёт.* ▬ *Султонхон, бечора, кундошларини «аҳмоқ» деб ўйлайди. Ҳолбуки, у сиқиқ муҳитда.. яшовчиларнинг ҳаммаси бир-бирини алдашга, бир-бирини «аҳмоқ» қилиб қолдиришга уринади..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

4 Чекли, чекланган, танг. -*Ер жўнидан сиқиқроқмиз, — деди бошини аста қимирлатиб Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

5 Мухтасар, ихчам. *..сиқиқ ва чуқур маъно билдирадиган мақоллар тугал бир поэтик асар мазмунига тенг келади.* Газетадан. *Чиндан ҳам истиора энг сиқиқ шаклдаги ўхшатишни эслатади.* «ЎТА».

6 *от* Сиқув, тазйиқ, исканжа. *[Сулаймонов] Турли фикрлар сиқиғидан чиқиб, бир қарорга келгандай, Раҳмон отани олиб келишларини сўради.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

Сиқиққа олмоқ Роса сиқмоқ, қийнамоқ, исканжага олмоқ. -*Бечора Мўмин ака! — раис хохолаб кулиб юборди. — Бу ёқда сиз [Юлдузхон], бу ёқда журналист ўртоқ.. Тоза сиқиққа олдиларинг-ку шўрликни.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

СИҚИҚЛИК 1 Торлик; эрксизлик; чекланганлик. *Вазиятнинг сиқиқлиги. Жойнинг сиқиқлиги.*

2 Сиқув, тазйиқ, исканжа остидаги шароит, ҳаёт.

СИҚМА Сиқиб чиқариладиган. *«Улуғбек» хўжалик магазинига кирсам, чиройли идишда сиқма пойабзал мойи турибди.* «Муштум». *Шароит фалакда космонавтларни концентрат, сиқма овқат истеъмол этишга мажбур этади.* «ЎТА».

СИҚМОҚ 1 Ўраб, қамраб ёки босиб эзмоқ, қисмоқ. *Тошни сиққан билан сув чиқмас.* Мақол. ▬ *Унинг юзлари худди шарбати сиқиб олинган анор пўстига ўхшаб кетарди.* С. Аҳмад, Пойқадам. *Дарвоза очилиб, йўғон қоматини спортчилар киядиган қалин трико сиқиб турган Шамси Тўраевич кўринди.* Н. Аминов, Суварак. *У йигитни тагига босиб олиб, бўйнидан сиқди-да, юзини ерга ишқаб, ура кетди.* Т. Ашуров, Оқ от.

2 Сириб боғламоқ. *Тонгда жангчилар оч қорнини камар билан маҳкам сиқиб, йўлга тушдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Босим билан ҳажмини кичрайтириб зичлаштирмоқ. *Газни сиқмоқ.*

4 Тазйиқ билан суриб бормоқ, танг ҳолда қолдирмоқ. *Рақибни бурчакка сиқиб қўймоқ. Машина қўл меҳнатини сиқиб чиқармоқда.* ▬ *Душман бу қийинчиликлардан фойдаланиб, станция томон сиқиб келди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Эркинлик, ҳуқуқ бермай ёки ўринсиз талаб, даъво, бўҳтон ва ш. к. билан руҳан эзмоқ, қийнамоқ. *Болаларни бўлар-бўлмасга сиқавермоқ. Уни, овқатни бузибсан, деб роса сиқдик.*

Юракни (*ёки* **қалбни, дилни**) **сиқмоқ** Юракни эзмоқ ёки зиқ қилмоқ. *Хавотирли сукут онлари чўзилгандан чўзилар, юракни сиқар, ваҳимага тўлдириб, чорасизлик – ожизлик чоҳига қулатмоқда эди.* «Ёшлик».

6 (*ч.к. билан*) Бирор нарсадан чеклаб қўймоқ; зориқтирмоқ. *Пулдан сиқмоқ.* ▬ *[Хушрўй] Иккинчи ва учинчи ҳафталарда ўчоқ бошини ўз қўлига олиб, кундошини иккита ёш боласи билан томоқ важидан ҳам сиқа бошлайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Албатта, кампир келинларини рўзғордан сиқмасди. Аммо режани бузмай, масаллиқни исроф қилмай иш тутарди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бечора холани худо ҳуснда сиққан, жамолида жиндаккина кулиб турадиган ери йўқ.* Мирмуҳсин, Умид.

Сиқиб сувини ичмоқ Қаттиқ тазйиқ кўрсатмоқ, ниҳоятда қийнамоқ, азоб бермоқ. *[Директор] Буфетчининг ҳам сиқиб сувини ичяпти.* С. Зуннунова, Янги директор.

СИҚТАМОҚ: йиғламоқ-сиқтамоқ Ёлвориб йиғламоқ, йиғи-сиғи қилмоқ. *Хотин йиғлайди, сиқтайди, охири турмушлари бари бир қовушмаслигига кўзи етгач, лоақал пулдан қуруқ қолмаслик пайига тушади.* «Муштум». *Йиғлаб-сиқтаётган Саодатни четга суриб, бемор тепасига борди-да, шприцдан чарсиллатиб, четроққа дори сачратди.* А. Мухтор, Асарлар.

СИҚУВ 1 Сиқмоқ фл. ҳар. н. *Бўғзим арқон сиқувин сезур, Зирқирайди оғирликдан бел.* Х. Даврон, Қақнус.

2 Тазйиқ, исканжа, сиқиқ. *Сиқувни кучайтирмоқ.* ▬ *Собир йиғилишларда Рашидни сиқувга олар, ҳар хил баҳоналар билан кўпчиликнинг олдида уни ерга уришга интиларди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Тепалик мудофаачилари душманнинг икки томондан қилаётган сиқувига бардош бердилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Сиқувга олмоқ *айн.* **сиқиққа олмоқ** *қ.* **сиқиқ 6**. *Бригадирларни сиқувга олди.. келгуси йилда бундай хунук аҳвол такрорланмаслиги учун сўз берди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Асрор индамади. Бахтига аёл уни сўроққа тутиб, сиқувга олмади.* «Ёшлик».

СИҒАРЛИ Бирор миқдордаги ёки катталикдаги нарса сиғадиган, элтадиган. *Ўн литр сув сиғарли идиш.* ▬ *Дарвозаниң бир қаноти сезилар-сезилмас ғижиллабгина бир одам сиғарли очилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СИҒДИРМОҚ 1 Сиғмоқ фл. орт. н. *Ҳамма нарсани чамадонга сиғдирди.* ▬ *Бу куннинг кўркамлигидан олган таассуротини Али ичига сиғдиролмади: -Зап яхши куни! – деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [Ортиқ] сўкиниб, нима қиларини билмай, жаҳлини ичига сиғдира олмай, қўлидаги кружкани қулочкашлаб ерга урди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Ўз ичига жо қилмоқ, элтмоқ. *Минг литр суюқлик сиғдирадиган цистерна. Минг киши сиғдирадиган зал.*

СИҒИМ Бирор миқдордаги нарсани сиғдириш, элтиш қобилияти, ички ҳажм. *Умуман республикамизда деярли Сирдарё сиғимига тенг миқдордаги ер ости сувлари бор.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Иссиқлик сиғими *физ.* Модда температурасини бир градусга кўтариш учун сарф бўладиган иссиқлик миқдори. **Электр сиғими** *физ.* Ўтказгичнинг электр заряд тўплаш хусусиятини ифодаловчи электр катталик; миқдор жиҳатидан яккаланган ўтказгичнинг потенциалини бир бирликка ўзгартириш учун зарур бўлган заряд миқдорига тенг. *Конденсаторнинг электр сиғимини аниқламоқ.* **Кеманинг сув сиғими** *денг.* Сузиб кетаётган кеманинг ўз оғирлигига тенг миқдорда сиқиб чиқарадиган сув миқдори.

СИҒИМЛИ 1 Бирор миқдордаги сиғимга эга бўлган. *Беш юз литр сиғимли цистерна.* ▬ *Механизациялашган фермалар ва комплекслар, 76,4 минг куб метр сиғимли силос ва сенаж иншоотлари қурилди.* Газетадан.

2 Кўп элтадиган, сиғдирадиган, сиғими катта. *Сиғимли идиш.*

СИҒИНДИ Ўзга юртда ёки бировникида ҳақ-ҳуқуқсиз қарам бўлиб яшовчи одам. *Шунда Бойсари: -Энди биз ўз элимизда сиғинди бўлиб.. юрадиган бўлсак, бу элда бизнинг тургилигимиз қолмади, – деди.* «Алпомиш».

СИҒИНИШ 1 Сиғинмоқ 1, 2 фл. ҳар. н. *Турли диний маросимларни бажариш ҳам сиғинишнинг бир кўринишидир.* «ЎзМЭ».

2 *айн.* **ибодат 1.**

СИҒИНМОҚ 1 *дин.* Худога, азиз-авлиёларга, илоҳий кучга эга деб ҳисобланган нарсаларга сажда қилиш; диннинг асосий элементи. *Ҳозир пир ўзларини эмас, сизларни ўйлайдилар, тонг саҳарларда жойнамозга тиз чўкиб: «Ҳақ йўлдан адашган гумроҳ бандаларингга ғазаб қилма», деб худога си-*

ғинадилар. С. Аҳмад, Ҳукм. *Назирқулнинг отаси Шоҳимардонга сиғиниб, қўчқор олиб бориб сўйди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Инсон ўзини танигунча кўп нарсаларга сиғинган.* Газетадан.

2 *кўчма* Бирор кимсага, нарсага ортиқ берилмоқ, уни ҳаддан ташқари улуғламоқ. *Пулга сиғинмоқ. Қуш бутоққа сиғинар.* Мақол. ▬ *Жаҳолатда қолган халқ аълам ҳар борганида, «садағанг кетай, эшоним», деб унинг оёғига тиз чўкиб сиғинар, назр-ниёз берар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Нажот истаб бормоқ, бош урмоқ. *Музга суянма, ёвга сиғинма.* Мақол. ▬ *Аймоқ халқи бизни дўстдек кутар деб, Юртингизга биз сиғиниб келганмиз.* «Ёдгор».

СИҒИШМОҚ 1 Сиғмоқ 1, 3 фл. бирг. н. *[Толзорга] Одам сиғишмай кетарди, кўрпача тугул палос етишмай қоларди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Айни бир вақтда ёки бир ерда мавжуд бўлмоқ, бирга, ёнма-ён яшамоқ. *Бир-бири билан сиғишмайдиган қарама-қарши фикрлар.*

3 Бирор кимсаникида ёки бошқалар ўртасида чиқишиб, эл бўлиб яшаб, ишлаб кетмоқ, эликишмоқ. *У ҳеч қаерда, ҳеч кимникида сиғиша олмайди.*

СИҒМОҚ 1 Жо бўлмоқ, жойлашмоқ, кетмоқ. *Кўп нарса сиғадиган идиш. Қучоққа сиғмайдиган дарахт. Бир қўлтиққа икки тарвуз сиғмас.* Мақол. ▬ *[Бу ерда] 500 машина сиғадиган катта автобаза қурилаётган экан.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ё кечки салқин билан, ё эртага эрталаб шаҳар ҳовлига [беда] олиб тушаман. Қандай беда денг, боғи қучоққа сиғмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Лойиқ, мос келмоқ (кийим, пойабзал ҳақида). *Этик оёғимга сиғмади.*

3 Бемалол кирмоқ, ўтмоқ. *Ип игнанинг тешигига сиғмади.* ▬ *Зиндон ёнидан бир арава сиғадиган тор кўча ўтган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Ўзига паноҳ топмоқ, бемалол, хотиржам яшамоқ, турмоқ. *Ундан чиқиб қаёққа, кимникига бораман, кимнинг уйига сиғар эдим.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Ўз юртингга сиғмай, бунда келасан, Дарбадар бошингга бало бўласан.* «Ширин билан Шакар». *Аваз ўз уйига сиғмай қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

5 *кўчма* Тўғри келмоқ, мос бўлмоқ. *Устозлар турганда, ўзи ҳақида сўзлаш шарқона одобга сиғмайди.* Газетадан. *У нобакор яқинда бир ғайридин ожизага уйланмиш. Бу иши энди ҳеч қайси низомга сиғмайди!* К. Яшин, Ҳамза.

Ақлга сиғмаслик *қ.* **ақл**. *Чунки, сен айтгандек, беш-олти кунда Қўқонга бориб келиш сира ақлга сиғмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Гап сиғмаслик** Бошқа гапга ўрин йўқлик. *Шарофат орага бошқа гап сиғмаслигини кўриб: -Боламни олиб кетгани келдим, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ичига сиғмаслик** (севинч, шодлик, дард ва ш. к. ҳақида) Тўлиб-тошмоқ. *Ҳамза шу аснода юз берган даҳшатли манзарани кўриб эзилиб кетди, у тутақар, ғазаби ичига сиғмай ғижинар, «тақа-тақ» қилиб ўтиб бораётган вагонлардан кўз узмасди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўнглига** (*ёки* **дилига**) **сиғмайди** *айн.* **юрагига сиғмайди 2**. **Пешонасига сиғмади** *қ.* **пешона 2**. *Ойинг фаришта эди, қизим. Нима қилайликки, пешонамизга сиғмади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. **Тасвирга** (*ёки* **таърифга**) **сиғмайди** Тасвирдан, таърифдан ташқари, таърифлаб ҳам бўлмайдиган; ажойиб. *Гўзаллиги таърифга сиғмайди.* ▬ *Тошкент тонготари нақадар гўзал, Чиройли, тасвирга сиғмас, сермазмун.* Ғайратий. **Терисига сиғмай** Ҳаддан ташқари қувониб. *Улар [йигитлар] қопларини тўлдириб, териларига сиғмай, олма-узум олиб келаётганида, мўғуллар ушлаб олдилар-да, қулоқ-бурунларини кесиб, қўйиб юбордилар.* М. Осим, Ўтрор. *Мавлоно Соҳиб Доро жиянининг «абжад» ҳисобини яхши ўрганиб олганини, фаҳм-фаросати ўсганини кўриб, терисига сиғмай кетди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. **Хаёлга сиғмайдиган** Хаёлга хам келтириб бўлмайдиган, хаёлда ҳам тасаввур қилиб бўлмайдиган. **Юрагига сиғмайди** 1) ичида ётмайди, бировга айтмаса бўлмайди. *Ўз юрагингга сиғмаган сир ўзганинг юрагига сиғмас.* Мақол; 2) кўнгли кўтармайди, кўнглига ёқмайди, хуш келмайди (фақат нохуш, дилгир кайфиятдаги кишига нисбатан айтилади). *Кўлидан ғўнғир-ғўнғир гапдан бошқа иш келмайдиган бу одамнинг лип этиб кириб келавериши кейинги вақтда Қудратиллахўжанинг юрагига сиғмай қолган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Юрагига** (*ёки* **кўнглига, дилига**) **қил (ҳам) сиғмайди** Ҳеч нарса ёқмайди, ниҳоятда юраги ғаш, хафа. *Умрини ҳалол, бегуноҳ ўтказган йигитнинг ҳозир кўнглига қил сиғмайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Ҳад-**

ди сиғмаслик *қ.* **ҳад** I **3**. *Мозорга тил теккизишга қандай ҳаддинг сиғди, муртад?!* К. Яшин, Ҳамза.

СИҲАТ [*а.* صحت – соғлик, саломатлик; чинлик, ҳақиқийлик; тўғрилик] Тан соғлиги, соғлик, соғломлик. *Сиҳатингиз яхшими? Тан-жонингиз сиҳатми? Сиҳат тиласанг – кўп ема, иззат тиласанг – кўп дема.* Мақол. ■ *Серёмғир, рутубатли Мозандарон Ибн Синонинг сиҳатига футур етказган, қувватдан кетказган эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Сиҳати бугун хийла дуруст, лекин аввалги кунлардаги каби руҳиятига эзғин бир титроқ солиб, қулоқлари остида бетиним денгиз шовқинию ўтакаси ёрилган одамларнинг оҳу фарёдлари тўхтовсиз эшитилмоқда.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

Сиҳат топмоқ *айн.* **сиҳатланмоқ.**

СИҲАТГОҲ [*а.* + *ф.* صحتگاه – даволаниш жойи, шифохона] Беморлар ётиб даволанадиган махсус профилактик даволаш муассасаси; санатория. *Юртимизда ҳам шундай гўшалар мавжуд бўлиб, улардан бири Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги.. «Ботаника» сиҳатгоҳидир.* «Гулистон». *Биз дам олаётган сиҳатгоҳ тоғли ҳудудда жойлашган.* «Шарқ юлдузи».

СИҲАТЛАНМОҚ Касалдан яхши бўлиб турмоқ, тузалмоқ. *Бир ой касалхонада ётиб сиҳатланиб кетдим.*

СИҲАТЛИК Тан-жони соғлик, саломатлик. *Сиҳатлик тиламоқ.* ■ *Нигора қадам босган чўпонларнинг чайлаларига у билан бирга шодлик, сиҳатлик кириб боради.* С. Анорбоев, Оқсой.

СИҲАТ-САЛОМАТ [сиҳат + саломат] Соғ-саломат, эсон-омон. *Қалай, сиҳат-саломат юрибсизми?* ■ *..Маъсума бека пиширган овқатлардан шогирдлар қатори у ҳам тановул этиб: -Саховатли Меъмор ҳазратларининг умрлари узоқ бўлиб, доимо сиҳат-саломат бўлсинлар, – деб дуо қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Минг шукурким, келдинг бугун сиҳат-саломат, шодман.* Ҳамза.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК Соғ-саломатлик, эсон-омонлик. *Асосан устоднинг сиҳат-саломатлиги, ўз аҳволи ҳамда исмини очиқ зикр этиб бўлмайдиган бир киши ҳақида ҳам гап кетарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Умр лаззати эса сиҳат-саломатлик билан боғлиқ эканини ҳаммамиз биламиз, шундай экан, уни жуда қадрлашимиз керак.* Газетадан.

СИҲАТСИЗ *кам қўлл.* Сиҳати, соғлиғи ёмон; касалманд, касал. *Сиҳатсиз одам. Сиҳатсиз бўлиб қолмоқ.*

СКАЛЬПЕЛЬ [*лот.* scalpellum – пичоқча] *тиб.* Жарроҳлик амалиётида тўқима ва аъзоларни кесишда ишлатиладиган махсус металл пичоқча. *Скальпель ўткир, ушлашга қулай, осон тозаланадиган ва стерилланадиган бўлиши керак.* «ЎзМЭ».

СКАМЕЙКА [*р.* скамья < *лот.* scamnun – ўтирғич, ўриндиқ] Икки ёки тўрт оёқли узун ўриндиқ. *Лолахон скамейканинг бир чеккасига омонатгина ўтирар экан, рассомга ялт этиб қараб қўйди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. У *[Аҳмад] катта дарахтнинг соясига қўйилган скамейкани танлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

СКАНДИЙ [*лот.* Scandium < Scandia – Скандинавия ярим ороли номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оч сариқ тусдаги енгил, юмшоқ металл. *Скандий кимёвий хоссалари жиҳатидан фаол металлар жумласига киради.* «ЎзМЭ».

СКАНЕР [*ингл.* scanner] Информатикада: тасвирни, матнни компьютерга киритиш мосламаси.

СКАРЛАТИНА [*итал.* scarlattina < *лот.* scarlatum – оч қизил ранг] Кўпинча болаларда учрайдиган, нафас сиқилиши ва иситма, томоқнинг оғриқли яллиғланиши, бутун тана бўйлаб тарқалган қизил тошмалар билан намоён бўладиган оғир юқумли касаллик. *Скарлатинанинг енгил, ўртача оғир ва оғир турлари ажратилади.* «ЎзМЭ».

СКАФАНДР [*фр.* scaphandre < *юн.* skaphe – қайиқ + aner, andros – одам] Сув остига тушишда, шунингдек, стратосфера ва космосга учишда кийиладиган, нафас олиш учун кислород билан таъмин этиб турувчи аппарати бўлган махсус герметик кийим. *Ғаввослар киядиган скафандр резиналанган матодан тикилади.* «ЎзМЭ».

СКВАЖИНА [*қад. р.* скважень – жарлик, дара; ғор] Бурғилаб кавланган қудуқ. *Газ скважинаси. Нефть скважинаси.*

СКВЕР [*ингл.* square – тўртбурчак майдон < *лот.* exquadrare – тўртбурчак қилиб қирқмоқ] *қ.* **хиёбон**. *Сквер томондан оқиб тушган баҳор суви тротуарнинг зиҳида кўплаб ётар, ўша ёқдан келган кишиларнинг лой

излари асфальтга муҳрдай босилиб, қуриб қолган эди. П. Қодиров, Уч илдиз.

СКЕЛЕТ [*лот.* skeletos – қуриб қолган < skello – қуритаман] *анат.* Одам ва ҳайвон организмида таянч ва ҳимоя вазифасини бажарадиган қаттиқ тўқималар мажмуи. *Одам скелети. Ички скелет. Балиқнинг тоғай скелети.* ▬ *Одам скелети 200 дан ортиқ суякдан иборат бўлиб, тузилиши одамсимон маймунларникига ўхшайди.* «ЎзМЭ».

СКЕ́ПТИК [*юн.* skeptikos – кўриб чиқишга, ўйлаб кўришга мойил] **1** *флс.* Скептицизм тарафдори. *Скептиклар антик диалектикадек қудратли қуролга эга эдилар.* «Фалсафа».

2 Ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсага шубҳа ва ишончсизлик билан қарайдиган одам.

СКЕПТИ́К 1 *флс.* Скептицизмга оид, скептицизмга асосланган, скептицизм руҳи билан суғорилган. *Скептик идеализм.*

2 Ишончсизлик руҳи билан суғорилган. *Масалага скептик қараш.*

СКЕПТИЦИЗМ [*юн.* skeptikos – кўриб чиқишга, ўйлаб кўришга мойил] **1** *флс.* Объектив ҳақиқатни тўғри ва аниқ билиш мумкинлигига ишончсизлик билан қаровчи идеалистик фалсафий оқим. *Гарчанд скептицизм таълимоти кўп жиҳатдан билиш жараёнининг мураккаб муаммоларини аниқлашга ҳаракат қилган бўлса-да, лекин объектив билишга нисбатан умидсизлик билан қараши ва рад этиши агностицизмга олиб борди.* «ЎзМЭ».

2 Ҳамма нарсага шубҳа ва ишончсизлик билан қараш; ишончсизлик.

СКИПИДАР [*р.* < *пол.* spikanard < *лот.* spica nardi – нард (хушбўй ўсимлик) бошоғи] Игнабаргли дарахтларнинг смоласини сув буғи иштирокида ҳайдаш, шунингдек, ёғочни қуруқ ҳайдаш йўли билан олинадиган ўткир ҳидли рангсиз, тиниқ, учувчан суюқлик (лок-бўёқ ишлаб чиқаришда, тиббиётда ва б. соҳаларда ишлатилади).

СКИФЛАР Милоддан аввалги 7- ва милодий 3-асрларда Дунай ва Волга дарёлари оралиғидаги ҳудудда яшаган чорвадор аҳоли. *Скифлар давлати. Скифлар маданияти.* ▬ *..скиф қабилалари аслида туркий тилларнинг турли лаҳжаларида сўзлашувчи орийлар эди.* «ЎзМЭ».

СКЛАД [*р.* складывать – «тахламоқ, жойлаштирмоқ, йиғиб, жойлаб қўймоқ» фл. дан ясалган от] *эск. қ.* **омбор.** *Тахта склади. Кўмир склади.* ▬ *Складда газламалар шифтгача тахлаб қўйилган.* Газетадан.

СКЛАДЧИ *қ.* **омборчи**.

СКЛЕРОДЕРМИЯ [*юн.* skleros – қаттиқ, берч + derma – тери] *тиб.* Терининг, тери ости тўқималарининг, баъзан ички аъзоларнинг қалинлашиб, қаттиқлашиб қолишидан иборат сурункали касаллик.

СКЛЕРОЗ [*юн.* sklerosis – қотиш, қаттиқлашиш] *тиб.* Турли аъзолар, томирлар девори ва тўқималарнинг айрим специфик элементлари ўлиб (камайиб), уларнинг ўрнини бириктирувчи тўқима(лар) эгаллаши натижасида уларнинг қаттиқлашиши. *Мияқон томирлари склерози.*

СКОЛИОЗ [*юн.* skoliosis < skolios – қийшиқ, эгри] Умуртқа поғонасининг ён томонга қийшайиши. *Келиб чиқишига кўра, туғма ва орттирилган сколиоз фарқ қилинади.* «ЎзМЭ».

СКОТЧ [*ингл.* scotch (tape)] Идора, девонхоналарда ишлатиладиган ёпишқоқ лента, тасма.

СКРЕПЕР [*ингл.* scraper – курак, қирғич; ковш < scrape – қиртишламоқ, қириб тозаламоқ] *тех.* Ерни қатлам-қатлам қилиб қазиш, ковшни тупроққа тўлдириб, уни белгиланган жойга тўкиш, суриш ва текислаш ишларини бажарадиган машина. *Ялангликда скереперлар, бульдозер ва экскаваторлар, полвон тракторлар саф-саф бўлиб тизилган.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар. *Сал нарида эса, қудратли бульдозерлар ва скреперлар чуқурларни тўлдириб, тепаликларни ағдариб, ер текисларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

СКРЕПКА [*р.* скрепить – «бириктирмоқ, маҳкамламоқ, қадаб қўймоқ» фл. дан ясалган от] Қоғозларни, ҳужжатларни бир-бирига тиркаш, варақларни устма-уст қилиб бириктириб маҳкамлаш учун ишлатиладиган сим қисқич.

СКРИПКА [*р.* скрипеть – «ғижирламоқ, ғарч-ғурч қилмоқ» фл. дан ясалган от] Камонча билан чалинадиган тўрт торли мусиқа асбоби. *Скрипка садоси. Скрипка чалмоқ.*

СКРИПКАЧИ Скрипка чалувчи созанда. *Моҳир скрипкачи.* ▬ *19-асрда виртуоз скрипкачи ва машҳур композиторлар Н. Па-*

ганини, П. Сарасате ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. «ЎзМЭ».

СЛАВЯН *қ.* **славянлар.** *Славян тиллари. Славян аёл.*

СЛАВЯНЛАР Келиб чиқиши бир, тили ўзаро яқин бўлган Европа халқларининг энг йирик гуруҳи (уч катта гуруҳга бўлинади: шарқий славянлар, ғарбий славянлар, жанубий славянлар).

СЛАВЯНШУНОС [*славян.* + *ф.* شناس – ўрганувчи, билувчи] Славяншунослик мутахассиси.

СЛАВЯНШУНОСЛИК Славян халқларининг тиллари, тарихи, адабиёти ва маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи.

СЛАЙД [*ингл.* slide] Шиша пластинка ёки плёнка каби шаффоф асосга туширилган оқ-қора ёки рангли фотографик тасвир. *Вилоятлардаги турли хил нон тайёрлаш усулларини фотостендларда, слайдларда, кинолавҳаларда кўрсатиш мумкин.* Газетадан.

СЛАЛОМ [*норвегча* slalom – пастга тушадиган из] **1** Ўтиш жойлари байроқчалар билан белгилаб қўйилган махсус йўл бўйлаб чанғида тоғдан тушиш. *Тоғ-чанғи слаломи.*

2 Табиий ёки сунъий тўсиқлар бўлган дарё ёки каналларда байдарка ва каноэда сузиш. *Эшкак эшиш слаломи.*

3 Муайян узунликдаги шатак арқони билан махсус трассани бир хил тезликда босиб ўтиш. *Сув чанғилари слаломи.*

СЛАНЕЦ [*қад. р.* стланец < стлать – «ёймоқ, ётқизмоқ, тўшамоқ» фл. дан] Қатлам-қатлам тузилишга эга бўлган, юпқа пластиналарга ажраладиган метаморфик тоғ жинси. *Ёнувчи сланец. Гилли сланец.* ▬ *Мукаммал қават-қаватланган гилли сланецлар томларни ёпишда ишлатилади.* «ЎзМЭ». *У [олтин] сланецлар, қумтошлар, гранитлар ичида учрайди.* С. Кароматов, Олтин қум.

СЛЕСАРЬ [*нем.* Schlosser < Schloβ – қулф, зулфин, тамба] Металл буюмларни қўлда ишлаш, ясаш, тузатиш бўйича мутахассис ишчи; чилангар. *Юқори малакали слесарь. Монтажчи слесарь. Ремонтчи слесарь.*

СЛЁТ [*р.* слететься – «ҳар ёқдан йиғилиб, ёпирилиб келмоқ» фл. дан] Оммавий ташкилотларнинг ёки бир касбдаги кишиларнинг катта йиғилиши, кенгаши. *Илғор механизаторлар слёти*

СЛОВАК Словак миллатига мансуб. *Словак тили. Словак аёл.*

СЛОВАКЛАР Ғарбий славянларга мансуб халқ; Словакия Республикасининг асосий халқи. *Археологик тадқиқотлар словакларнинг аждодлари – ғарбий славян қабилалари ҳозирги Словакия ҳудудида 4–5-асрда пайдо бўлганлигини кўрсатади.* «ЎзМЭ».

СЛОВЕН Словен миллатига мансуб. *Словен аёл.* ▬ *Адабий словен тили 19-аср ўрталарида тўлиқ шаклланган.* «ЎзМЭ».

СЛОВЕНЛАР Жанубий славянларга мансуб халқ; Словения Республикасининг асосий халқи. *Югославия таркибидан ажралиб чиққан словенлар 1991 йил 25 июндан мустақил давлат барпо этганлар.* «ЎзМЭ».

СЛЮДА [*қад. р.* слуд – юпқа, шаффоф муз қатлами] Юпқа қатламларга ажраладиган қаттиқ шаффоф минерал; муҳим фойдали қазилма. *Слюдалар ёпишқоқлиги ва эгилувчанлиги туфайли тез ўзгаради, енгил жилоланади.* «ЎзМЭ».

СМЕНА [*р.* смениться – «алмашинмоқ, бошқасининг ўрнига келмоқ» фл. дан] **1** Ўрин алмашиниб ишловчи, ўқувчи, дам олувчи ва ш. к. кишилар гуруҳининг бошқа кишилар гуруҳи билан алмашинувига қадар давом этадиган вақт бўлаги. *Икки сменада ишлаш. Биринчи сменада ўқиш.* ▬ *Эртаси иккинчи сменадан қайтишда Набигул Қодир билан бирга кетди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Қудрат бу бола билан кечагина яқиндан танишди. Уларнинг иккиси бир мактабдан бўлса ҳам, сменалари бошқа, қишлоқлари ҳам бошқа эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Шу вақт давомида бирга ишловчи, ўқувчи, дам олувчи ва ш. к. кишилар гуруҳи. *Янги смена ишга чиқди. Смена ишдан қайтди.* ▬ *Смена мастери уни биринчи марта ер остига олиб тушганида, Иномжоннинг бўладигани бўлган эди.* С. Аҳмад, Мўтти.

СМЕНАДОШ **1** Бир сменада ишловчи, ўқувчи ва ш. к. кишиларнинг ҳар бири (бошқаларга нисбатан).

2 Бир-бирини алмаштирувчи, ўрнини олувчи, ўрнини босувчи. *Биз дам олаётган пайтда сменадошларимиз ишни давом эттирдилар.*

СМЕНАЛИ Сменалари бўлган, сменаларга бўлинган. *Уч сменали иш. Икки сменали ўқиш.*

СМЕТА [*р.* (с)метить – «мўлжалламоқ, кўзламоқ» фл. дан ясалган от] Олдиндан тузилган кирим-чиқим ҳисоби ва шундай ҳисоблар ёзилган ҳужжат. *Харажатлар сметаси. Қурилиш сметаси. Сметага киргизмоқ.* ▬ *Техник чақириб, план ва смета тузиш, неча пуд тунука керак бўлишини билиш зарур экан.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Баъзан ишлаб чиқаришга, объектларни қуришга алоҳида харажатлар сметаси тузилади.* «ЎзМЭ».

СМЕТАНА [*қад. р.* сметати – «йиғмоқ, уюм қилиб тўпламоқ» фл. дан: қуюқ сут, қаймоқ] Суюқ қаймоққа ивитқи қўшиб тайёрланадиган маҳсулот. *Сметана таркибида сут ёғидан ташқари оқсил, сут қанди, органик кислоталар, минерал тузлар, шунингдек.. витаминлар мавжуд.* «ЎзМЭ».

СМОЛА [*р.* смола – елим; қатрон, чирк] Игнабаргли ва б. баъзи бир ўсимликлардан ажралиб чиқадиган, ҳавода қотиб қоладиган елимшак модда; шира. *Қарағай смоласи. Қуюқ смола. Хушбўй смолалар. Синтетик смола.* ▬ *Баҳайбат қарағайлар шохи ва тана қисмининг синган ва зарарланган жойларидан кўплаб смолалар ажралиб чиқа бошлаган.* «Фан ва турмуш». *Бу янги материалга цемент ҳам, сув ҳам ишлатилмайди. Улар ўрнига полимер смоласидан фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

СМОЛАЛАМОҚ Смола суртмоқ ёки сингдирмоқ. *Қайиқларни смолаламоқ.*

СМОЛАЛИ Смола берадиган; серсмола. *Смолали дарахтлар.*

СМОРОДИНА [*қад. р.* сморocc – ўткир, кучли ҳид] *қ.* **қорағат.** *Смородина озиқ моддаларга бой, сернам, сувни яхши ўтказадиган, ер ости сувлари камида 1,5 метр чуқурликда бўлган ерларда яхши ўсади.* «ЎзМЭ».

СНАЙПЕР [*ингл.* sniper < snipe – panaдан туриб отмоқ] Махсус таълим олган мерган, моҳир отувчи. *Снайперлар милтиғи.* ▬ *Дивизияда снайперлар курси очилиб, унга Тешабой Одилов раҳбар этиб тайинланди.* Газетадан.

СНАРЯД [*р.* снаряд – асбоб; қурол, тўп ўқи, ёрилувчи бомба] **1** Артиллерия қуролларидан отиладиган ўқ-дори тури. *Портловчи снаряд. Ёндирувчи снаряд.* ▬ *Артиллерия учун снаряд сув ва ҳаводек зарур бўлгани учун, Воҳидов фурсатни бой бермай, снарядларни елкасига қўйиб таший бошлади.* Газетадан. *Тепада снарядлар портлар, гильзадан ясалган заиф исчироқ ҳар ларзада пирпираб, қоронғи ер қаъридаги ҳаётни зўрға ушлаб тургандек туюлар эди.* А. Мухтор, Асарлар.

2 Баъзи техник қурилмалар номи. *Ер қазувчи снаряд.*

3 Гимнастика асбобларининг умумий номи. *Снарядда машқ қилмоқ.* ▬ *Унда [мусобақада] россиялик спортчи Т. Лисенко снарядни 77 метру 80 сантиметрга улоқтирди.* Газетадан.

СОАВТОР [*р.* со.. – бирга + автор] *эск. айн.* **ҳаммуаллиф**. -*Йўқ, ростини айтинг, – деди Яхшибоев қовоғини очмай. – Айтинг, соавтор бўлсам хафа эмасмисиз?* М. М. Дўст, Лолазор.

СОАТ [*а.* ساعت – аниқ бир вақт, лаҳза; 60 дақиқали вақт] **1** Сутканинг йигирма тўртдан бир улушига тенг вақт ва шу муддатни кўрсатувчи вақт ўлчови. *Бир соат – олтмиш минут. Орадан уч соат ўтди.* ▬ *Отабек Марғилонга ҳар нимадир бир соат илгарироқ етиш учун ошиқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эллик қадамча йўлни, назаримда, бир соатда босгандай бўлдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Туш пайтидан ёки ярим кечадан бошлаб шу ўлчовда ҳисобланадиган вақт оралиғи; пайт. *Қутидор, одатига қарши, бозордан кундуз соат учларда қайтиб келди-да, Отабекни сўради..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мажлис роппа-роса соат бирда бошланди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *[Ҳасанали] Ухламай кутиб ўтирди. Аммо [Отабек] тунги соат ўн бир бўлса ҳам келмас, ўн иккида ҳам дараксиз эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Солиҳ иш вақти тугашига икки соат қолганда нарсаларини йиғиштирди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

3 Вақтни сутка давомида шу ўлчовда ўлчайдиган асбоб. *Олтин соат. Чўнтак соат. Девор(ий) соат.* ▬ *Чарм камзулли йигит ён чўнтагидан занжирли соатини олди, қопқоғини қирс эткизиб очди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Врач Мамлакатнинг томир уришини соатига қараб ўлчади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

4 Ўқув машғулоти учун белгиланган 40 минутли ёки 45 минутли вақт, дарс. *Ўзбек тили учун ҳафтада тўрт соат ажратилган.* ▬ *Бир ўқувчининг бир соат дарс қолдириши ҳам унинг билимига таъсир қилади.* Газетадан.

5 Умуман, вақт, фурсат, пайт, он. *Толе соатини кутмоқдан ўзга иложимиз йўқ [деди

подшоҳ Навоийга]. Ойбек, Навоий. *Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиднинг қайси бирларининг сўнг соатлари етганлиги шу қоронғи тун каби қоронғи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Меъмор бўлса икки шогирднинг сал қуюшқондан чиқиб, талтайишаётганидан энсаси қотиб келарди: қани шундоқ яхши соатларда унинг ёнида ўғли Низомиддин ҳам бўлса!* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Маълум мақсад учун белгиланган, хос вақт. *Қабул соатлари. Иш соати.* ▬ *Ўрдага алоқаси бўлмаган кишилар боққа киролмаслар, фақат ҳафтада бир кун кўнгил очиш соатларида, баъзи мустасно зотлар учун боғнинг йўли очиқ бўлар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

7 Соат (эркаклар исми).

СОАТЛАБ *рвш.* Бир неча соат; кўп вақт. *Соатлаб кутмоқ.* ▬ *Булар душман позициясига яқинроқ бориб, бирон қулай жойда соатлаб, баъзан куни бўйи пойлаб ётишади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Кечагидай эсимда, худди шу вокзалда дадам билан изғиринда соатлаб поезд кутганмиз.* Газетадан.

СОАТЛИ 1 Соат давомидаги, бирор соат давом этган ёки этадиган. *Икки соатли маъруза. Олти соатли иш куни.* ▬ *Баъзи муншийлардаги ярим соатли бу ўзгаришдан таажжуб қилинмасинким, бунинг сабаби оддий ва очиқдир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шаҳар билан Келеснинг ораси ярим соатли йўл.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Соатлар бўйича тузилган. *Соатли график.*

3 Соати бўлган, соати бор. *Соатли киши.*

СОАТСОЗ [*а.* + *ф.* ساعتساز — соат ясовчи, тузатувчи] Соат ясовчи ёки тузатувчи уста. *Биринчи пружинали соатни женевалик соатсоз Густав Фили ихтиро этган.* Газетадан.

СОАТСОЗЛИК Соат ясаш, тузатиш билан шуғулланиш, соатсоз касби. *Соатсозликни ўрганмоқ.*

2 Соат ишлаб чиқариш. *Соатсозлик заводи.* ▬ *А. Розиқовнинг шикояти асосида соатсозлик устахонасидаги нуқсонлар очиб ташланди.* «Муштум».

СОБ: соб бўлмоқ 1 Тамом бўлмоқ, тугамоқ. *Пулим соб бўлди.* ▬ *Отасидан қолган кўр-кут соб бўлгандан кейин Нурматжон паст ишни ўзига эп кўрмади, тузук иш учрамади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Қиш охирлаб, тўйлар соб бўлди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 *кўчма* Ҳамма имкониятдан айрилмоқ; умиди узилмоқ. -*Мен учун ҳамма нарса соб бўлди! — деди Қиём.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

3 *кўчма* Жисман ва маънан инқирозга юз тутмоқ. *Шу шўрлик аёлни [касални] бир кириб кўрайлик! Уч кунлиги борми, йўқми.. соб бўлган дейишади..* А. Қаҳҳор, Асарлар. -*Уйни нима қиламан? Соб бўлган одамман мен, — ғўнғиллади Нусратилла.* А. Мухтор, Опасингиллар.

Соб қилмоқ Тамом қилмоқ, тугатмоқ. *Гапни соб қилмоқ.*

СОБАЧКА [*р.* собачка — кучукча; милтиқ тепкиси; бирор деталь тиши] *тех.* Турли машина ва механизмларда айланувчи деталларнинг тескари айланишига йўл қўймайдиган тишсимон қисм.

СОБИР [*а.* صابر — сабрли, чидамли, матонатли] **1** Сабрли. *Собир одам.* ▬ *Очил бува сафарни тугатганидан, эзгу бир фарзни бажо келтириб, кони савобга ботган одамдек мамнун кўринар, сокин ва собир эди.* А. Мухтор, Чинор.

2 Собир (эркаклар исми).

СОБИТ [*а.* ثابت — мустаҳкам, барқарор, матонатли, букилмас] **1** Бир гапда, мақсадда, маслакда мустаҳкам турадиган; оғишмайдиган. *Собит курашчи. Собит дўст.* ▬ *Бу дунёда сарҳадлар шартли, Бу дунёда собитдир Ватан.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё. *Наҳот, дейман, дунёда собит нарса йўқ асло, Наҳотки етукликнинг тимсоли йўқ бус-бутун?* А. Орипов, Юртим шамоли.

Собит қолмоқ Бир гапда, мақсадда оғишмай мустаҳкам турмоқ. *Агар биз, шу ўтирган оғайнилар, бояги гапда собит қолсак, сиримизни яна яшириб кетиш мумкин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Собит (эркаклар исми).

СОБИТҚАДАМ [*а.* ثابتقدم] (*тўғриси* **собит қадам**) *айн.* **собит 1**.

СОБИТҚАДАМЛИК (*тўғриси* **собит қадамлик**) Ўз мақсади, маслагидан оғишмаслик, саботлилик. *Аммо шоира иродали бўлгани учун собитқадамлик билан ижод этишда давом қилади.* «ЎТА».

СОБИҚ [*а.* سابق – қувиб ўтувчи; олдиндаги; аввалги, бурунги] Ўтмишда бўлиб ўтган, илгариги. *Собиқ директор. Собиқ мустамлака мамлакатлар.* ▬ *-Илиниб турганингни сезасанми, раис,– деди у хаёл суриб, – энди сен ҳақиқий раис эмас, собиқ раиссан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Тунов куни билет олгани вокзалга чиқсам, собиқ курсдошим Элмуродни кўриб қолдим.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

СОБОЛЬ [*р.* соболь – юмронқозиқ; олабула, олачипор; хол-хол] Жуни қалин, майин, қора-қўнғир рангли сутэмизувчи ҳайвон (қимматбаҳо мўйнаси учун кўп овланиши натижасида камайиб кетган). *Соболь ҳар хил ҳайвонлар ва ўсимликлар билан озиқланади.* «ЎзМЭ».

СОБОР [*р.* собор – (руҳонийлар) йиғини] Олий мартабали руҳонийлар ибодат қиладиган йирик христиан ибодатхонаси. *Тошкентдаги Спасс Преображенск собори (1888), Самарқанддаги Покровск собори (1902) кабилар Византия меъморлиги таъсирида.. қурилган.* «ЎзМЭ».

СОБУН [*а.* صابون – совун] *эск. кт. айн.* **совун**.

СОВЕТ I [*р.* совет – кенгаш; маслаҳат] **1** *тар.* Давлат ҳокимиятининг вакиллик органи, жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкил этиш шаклларидан бири. *Олий Совет. Шаҳар совети.*

2 *эск.* Турли хил коллегиал органларнинг номи (*яна қ.* **кенгаш**). *Ҳарбий совет. Педагогика совети.* ▬ *Унинг ёнидаги стулда ота-оналар советининг раиси – телевизорда ҳам бир-икки марта одоб ҳақида суҳбат ўтказган чўққисоқол пенсионер чол – Қосим ота жойлашган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СОВЕТ II *тар. эск.* **1** Совет мамлакатига, СССРга алоқадор, Советлар мамлакатига мансуб. *Совет Иттифоқи. Совет халқи.*

2 Совет давлат органларига ва уларнинг фаолиятига оид. *Хўжалик ва совет ташкилотлари.*

3 СССРда пайдо бўлган, вужудга келган, шаклланган. *Совет ҳукумати. Совет кишиси. Совет мафкураси.*

СОВИМОҚ 1 Иссиғи, ҳарорати пасайиб, совуқ ҳолга келмоқ, бирмунча совуқ бўлмоқ. *Сув совиди. Ҳаво совиди.* ▬ *Ёдгорнинг назарида, уй янаям совиб кетгандек кўринди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Отақўзи бирдан қайнаб тошди-ю, совиб қолган бир пиёла чойни бир кўтаришда бўшатди.* О. Ёқубов, Диёнат.

2 Баданидан ҳоври кўтарилиб, ҳарорати нормаллашмоқ. *От совиди.* ▬ *Чув деб отга қамчини, Чинор бериб боради. Совидими жонивор, Ўзин отиб боради.* «Ойсулув».

3 *кўчма* Ҳовридан тушмоқ, пасаймоқ. *Тез қайнаган тез совир, дейдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Мамашанинг қилиқларидан хафа бўлмайсизда, қўшни. Кейин совиб қоладилар.* «Муштум».

4 Жўшқинлигини, хуружини, авжини, қизиғини йўқотмоқ, сусаймоқ, сўнмоқ. *Бозор совиди. Базм совиб қолди.* ▬ *Олчинбек унинг [Ҳамзанинг] бу таклифини на рад этди, на қувватлади. Шу билан суҳбат совиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

5 *кўчма* Кўнгли қолиб, меҳр-муҳаббатини, майлини, ихлосини йўқотмоқ. *Ишдан совимоқ.* ▬ *Дарслардан совидим, ҳеч ким билан ишим йўқ.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *[Аваз:] Оға, ўн кунча бўлди, қўлимга қалам олмадим. Назмдан тамом совидим.* С. Сиёев, Аваз.

Кўнгли совимоқ *қ.* **кўнгил. Тупроғи совимай (***ёки* **совимасдан)** Вафот қилганидан ҳеч қанча вақт ўтмай. *-Дада, уялмайсизми, андиша қилмайсизми? Акамнинг тупроғи ҳали совимай туриб-а? – деди Низомжон.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Қандай ота у? – қичқирди Нури. -Ойимнинг тупроғи совимасдан, чўри қизга уйланадими?* Ойбек, Танланган асарлар.

СОВИТКИЧ *тех.* **1** Озиқ-овқат маҳсулотлари ёки тез айнийдиган маҳсулотлар паст температурада сақланадиган иншоот ёки қурилма; холодильник. *Икки камерали совиткич.* ▬ *Уй-рўзғор совиткичида температура +6⁰ дан – 18⁰ гача бўлиши мумкин.* «ЎзМЭ».

2 Кондиционер. *Қалдирғоч.. хонани бир айланиб, деразанинг юқори кўзига ўрнатилган совиткич устига қўнди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

СОВИТМА Совитиб тайёрланган, совитилган. *Совитма ош.*

СОВИТМОҚ 1 Совимоқ фл. орт. н. *Уйни совитмоқ. Компотни совитиб ичмоқ.* ▬ *[Гулнор] Онаси тайёрлаб чиққан хўрда ошни одатда жуда совитиб ичишни яхши кўргани учун четга олиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар ҳоким ҳеч кимни, айниқса Қудрат акани, қамамаган бўлса, аҳолини қўр-

қитмаслик, ишдан совитмаслик учун қамамаган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *махс.* Боқувдаги отни секин-аста юргизиб, оёқларининг чигилини ёзмоқ ёки қизиб турган отни секин-аста юргизиб, ҳовридан туширмоқ. *Отни бир оз совитдим. Беда солдим.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *этн.* Иссиқ-совуқ, амал қилиб кўнглини қолдирмоқ, ихлосини қайтармоқ. *[Домла Фотимага:] Совитмоқ учун бир қанча нарсаларга дам солмоқ керак, айниқса, чойга, қандга, ундан кейин бир банд қилиб бераман, эрингиз ётадиган жойга қўясиз.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

Иссиқ ўрнини (*ёки* **жойини**) **совитмоқ** Яхши ўрнашиб ишлаб ёки яшаб турган жойини алмаштирмоқ.

СОВЛИҚ Қўзилаган, соғиладиган қўй; она қўй. *Қўй соғдиришнинг ўзига яраша гашти бор. Она совлиқни бўйнидан қучиб турасан. У типирчиламаслиги керак.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

СОВРИЛМОҚ *с. т.* Совурилмоқ. *Гоҳо атрофдаги йўлтўсар беклар Дастидан соврилди карвонлар — юклар.* М. Шайхзода, Тошкентнома. *Йиллару йилномалар соврилган йўқ шамолга, Ҳақиқат бўлди бугун тушлару афсоналар.* Миртемир, Танланган асарлар.

СОВРИН Улоқ, пойга, мусобақа ва ш.к. ларда ғолибларга бериладиган мукофот. *Адирда эса сумалак пиширилади, ош тортилади.. [кўпкари] уюштирилади, ғолибларга соврин улашилади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бош соврин таъсис этилди: турнир ғолиби тошкентлик усталар ишлаган катта чинни вазани олади.* Газетадан.

СОВРИНЛИ Соврини бор, совринга эга. *Ўйлайманки, йигитлар совринли ўринлардан бирини олишга ҳаракат қилишади.* Газетадан. *Мусобақада республикамиз ёшлари ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қиладилар.* Газетадан.

СОВУМОҚ *айн.* **совимоқ.**

СОВУН [*а.* صابون — совун] Ювиниш ёки кир ювиш учун ёғ ва ишқорлардан тайёрланадиган, яхши кўпирадиган хўжалик буюми. *Атир совун. Кир совун. Совун кўпиртирмоқ. Ёмоннинг совунида кир ювма.* Мақол. ▬ *Бунда кумуш шамдондан тортиб жуфт-жуфт қилиб боғлаб қўйилган қоракўл теригача, яшик-яшик кир совундан тортиб юзма-юз қилиб бойланган тагчармгача бор эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Совун тош *с. т.* Каустик сода. **Совунига кир ювмабди** Кимсага ҳали иши тушмабди, уни ҳали синаб кўрмабди. *Ўзлари йўл излаб, товонларига қурт тушиб қолсин. Улар ҳали Ортиқнинг совунига кир ювишмабди.* М. Мансуров, Ёмби.

СОВУНАК [*а. + ф.* صابونک < *а.* صابونیّه] Наврўзгуллилар оиласига мансуб, илдизи совун ўрнида ишлатиладиган бир йиллик ўтсимон ўсимлик.

Совунак ҳолва Парвардасимон оқ ҳолва. *Дастурхонда қатлама патир, ўрикқоқи, майиз, совунак ҳолвадан Ҳазорасп олмасигача бор.* С. Сиёев, Аваз.

СОВУНГАР [*а. + ф.* صابونگر — совун тайёрловчи] **1** Совун ишлаб чиқарувчи косиб, ҳунарманд. *Совунгарнинг ўғли Қаҳҳор менинг тенгдош ўртоғим, уларникида бот-бот бўлардим.* М. Жўра, Ноширнома. *Мен унинг тегмайман, деганига қараб турадиган жониворманми? Гўштини сихга тортиб, ёғини совунгарга сотаман, биласанми?* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Совунгарлик саноатининг ишчиси. *Корхона совунгари.*

СОВУНГАРЛИК 1 Совун ишлаб чиқариш касби.

2 Совун ишлаб чиқариш. *Совунгарлик саноати.*

3 Бозорда совунгарлар растаси.

СОВУНДАРАХТ Мевасида сапонин моддаси бўлган ва совун ўрнида ишлатиладиган паст бўйли дарахтлар ёки буталар туркуми.

СОВУНДОН Совун солинадиган идиш; совун қути. *Хола тиш чўтка, совундонларга боладек қизиқиб термилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СОВУНЛАМОҚ Совун суртмоқ, совун суртиб ювмоқ ёки ювинмоқ. *Кирни совунламоқ. Қўлни совунлаб ювмоқ.* ▬ *Амаки ўлгудай хасис эди, умрида оёғини совунлаб ювмас — қиёматда пулсиротдан ўтиб кетаётганида тойиб кетармиш..* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *У сувни шариллатиб қуйиб, қўлини наридан-бери ювмоқчи эди, деразадан кузатиб турган буви яна ўшқирди: -Совунлаб юв, икки марталаб совун сур! Башарангни ҳам юв!* Мирмуҳсин, Умид.

СОВУНЛИ Совун кўпиги аралаштирилган. *Супургини ишлатишдан олдин совунли*

қайноқ сувда ҳўллаб олсангиз, кўпга чидайди. «Саодат».

СОВУНЧИ *айн.* **совунгар 1.** *Умарали совунчининг невараси-да, Шоқосим анча нобоп бола чиққанидан хабарим бор. Аммо бунчалик газандалигини билмасдим.* Мирмуҳсин, Умид.

СОВУНЎТ Пояси тўрт қиррали, ёйилиб ўсадиган, барглари чўзинчоқ бегона ўт.

СОВУРИЛМОҚ Совурмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Хирмондаги ҳамма дон шамолда бир соатда совурилди.* ▬ *Шаҳарлар хароба, бир уюм тупроқ, қишлоқларнинг кули кўкка совурилган.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Меҳнатларим зое кетмади, елга совурилмади.* «Ёшлик».

СОВУРМОҚ 1 *қ. х.* Шамолда шопириб тозаламоқ, шопирмоқ. *Ўт иши — қовурмоқ, Ел иши — совурмоқ.* Мақол. ▬ *[Бободеҳқон] Кун қизиб турган пайтларда, бошидан офтоб ўтишига қарамай, янчиқ янчибди. Кечки шамолда буғдой совурибди.* С. Анорбоев, Бободеҳқон сўзи.

2 *кўчма* Беҳудага кеткизмоқ, беҳуда сарф, харажат қилмоқ. *Пулни совурмоқ.* ▬ *Мен учун ҳам, ўзи учун ҳам пулни аямай совурар ва ҳеч қачон менинг моянам билан қизиқмасди.* «Ёшлик».

3 Маҳв этмоқ, йўқ қилмоқ, беҳудага чиқармоқ. *Тилакларимни совурганинг етмай, тилак уйимни йиққанинг нимаси.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шоирнинг юрагида ҳақиқат душманларига қарши, ҳаммадан севгани — ҳаёт гулини совурмоқчи бўлган ёвуз кучларга қарши ғазаб ёнар эди.* Ойбек, Навоий.

Кулини кўкка совурмоқ Батамом йўқ қилмоқ, маҳв этмоқ, ағдариб ташламоқ. *Чингиз фармони билан шаҳарга ўт қўйилиб, кули кўкка совурилди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. **Кўкка** (*ёки* **беҳудага**) **совурмоқ** *айн.* **совурмоқ 1,2**. *Шамол қутурар, қорни оппоқ тўзонга айлантириб, кўкка совурар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. -*Бизни давлат пулини кўкка совурувчи тентаклар, хаёлпарастлар, деб аташаётганлар ҳам йўқ эмас, — деди Дониёров Моҳидилга.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СОВУТ *тар.* Танани найза, ўқ, қилич зарбидан сақлаш учун кийиладиган, пўлат симдан тайёрланган ҳарбий кийим. *Авазхон отасидан дуо олиб, совутини кийиб, қалқонини эйнига [эгнига] солиб, ўн олти газ исфиҳони олмосини белига осиб жўнади.* «Маликаи айёр». *Темур Малик икки қават совут ва дубулға кийиб, кема тумшуғига чиқди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

СОВУҚ 1 *от* Паст ҳарорат, паст температура. *Совуқ оёқдан урар, Иссиқ — бошдан.* Мақол. ▬ *Тошкентдан келган лектор «Ойда ҳаёт борми?» деган мавзуда лекция ўқиб: -Ойда кечаси юз градус совуқ, кундузи юз градус иссиқ бўлади, — деганди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Албатта, йўл яхши бўлиб, жадалроқ юришса, совуқ унча билинмас, лекин из тушмаган йўлдан юриш мушкул.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Совуқ емоқ (*ёки* **қотмоқ**) *айн.* **совқотмоқ.** *Бировнинг ишига саратонда қўл совуқ қотади.* Мақол. ▬ *Кун иссиқ, пиджаксиз кетай дейман-у, кечасига қолсам совуқ емай, деб қўрқаман.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Совуқ олмоқ** (*ёки* **урмоқ**) Совуқ қаттиқ таъсир этиб ёки музлатиб ишдан чиқармоқ, шикастламоқ. ..*Эндигина авж олаётган ниҳолларни бир кечада совуқ урди.* Газетадан. **Қуруқ** (*ёки* **қора**) **совуқ** Ҳаво очиқ ёки қор ёғмай турган вақтдаги қаттиқ аёз. *Тошкентда.. ўткир қуруқ совуқ!.. Соқолларда, мўйловларда, киприкларда қиров.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир тундаёқ қора совуқ ғўзани урган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *от этн.* Совуқлик овқатларни кўп истеъмол қилиш натижасида организм фаолиятининг сусайиши. *Совуқни оширадиган овқат.*

Совуғи ошди 1) совуқлик овқатни еяверприб ланж бўлди. *Совуғинг ошса — давлат, Иссиғинг ошса — қиёмат.* Мақол. ▬ -*Суткатиқларинг совуғимни ошириб юборяпти. Шаҳарда бозор яқин эди, асал олдириб турардим, — деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) *кўчма* безор бўлди, кўнглига урди. *Ўзимиз ҳам етимваччалар орасида хўп чидам билан ўқидик-да, а? Қайси бирини кўрмай, ҳали ҳам совуғим ошади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Температураси белгили чегарадан паст ёки жуда ҳам салқин, аёз. *Совуқ ҳаво. Совуқ кун.* ▬ *Мен эса дарчадан тўниб боқаман, Совуқ куз тунидан маъни чақаман.* А. Шер, Қадимги куй.

4 *сфт.* Ҳарорати, температураси паст. *Муздек совуқ сув.* ▬ *Ичкилик деганни совуқ сувдек симирган билан унча кайф қила олмайсиз.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Совуқ*

шамол оқими ҳам юз терисига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. «Саодат».

5 Иситилмаган, қизитилмаган. *Совуқ уй.* ▬ *Театр биноси совуқ, томошабинлар пальто ва қалпоқларда ўтиришарди.* Газетадан. *Совуқ, рутубатли хонамга шу кеч Олиб қайтдим изтиробингни.* А. Орипов, Йиллар армони.

6 Совиган ёки совитилган, яхна. *Совуқ овқат.* ▬ *Қодир уйғонди, у ҳаддан ташқари чанқаган эди, чойнакда қолган совуқ чойни шимириб, атрофига қаради.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

7 *сфт. кўчма* Ўзига жалб қилмайдиган; ёқимсиз. *Совуқ одам. Совуқ башара. Ўзи совуқнинг қилиғи ҳам совуқ.* Мақол. *Қулоқдан кирган совуқ сўз Кўнгилга бориб муз бўлар.* Мақол. ▬ *Бир вақтлар деҳқонларга, деб ҳавас билан қурдирган бу уй-жой, ғишт ётқизилган кенг супа.. кўзига совуқ, ғариб, мунгли кўринди.* С. Нуров, Нарвон. *Қора қишда тўй қилмай, Баттар бўлгур нокас гов, Баччағарнинг аслида Феъли совуқ эдиёв.* А. Орипов, Йиллар армони. *Қўйинг, Нуъмонжон ака, қиз болани қўлтиқлаб юришни ҳам билмайсиз-а! Бирам совуқ, бесўнақайсиз.* М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

Турқи (*ёки* **сўхтаси**) **совуқ** Гап-сўзи, ташқи кўриниши билан кишига ёқмайдиган кимса ҳақида айтиладиган ибора. *Э, мени энди кўраяпсизми, Муяссархон, эски билганингиз сассиқ чол — сўхтаси совуқ Назар Яхшибойман-да.* М. М. Дўст, Лолазор.

8 Кўнгилга ёқмайдиган, хуш келмайдиган; қўпол, дағал. *Совуқ ҳазил. Совуқ жавоб. Совуқ муомала.* ▬ *[Йигит] Даврон томон яқинлашаркан, совуққина илжайганча: -Одамни қўрқитиб юбордингиз, ока, — деди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Пўлат у [Ҳусниддин] билан жуда совуқ саломлашди — энсаси қотиб, қўлининг учини берди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

9 Ёқимсиз, кўнгилсиз, нохуш. *Совуқ хабар.* ▬ *Ёдимга унинг ўша қисқа, лекин менинг энг азиз ҳис-туйғуларимни янчиб ташлаган совуқ мактуби тушди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Машриқий бу совуқ хабарни эшитгач, бағри ўтда ёниб, нима қилишини билмай, Сурия билан бирга тушган расмидан Сурияни қирқиб олиб, ёқиб юборди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

Совуқ уруш *сиёс.* Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда турли йўл ва воситалар билан кескинлик, душманликни кучайтиришга қаратилган сиёсат.

СОВУҚЛИК 1 Ҳарорати, температураси паст эканлик. *Ҳавонинг совуқлиги. Уйнинг совуқлиги.*

2 *айн.* **совуқ 1**. *Манглайида совуқлик ҳис этиб, Кумуш кўзини очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Совуқ гап, муомала, қилиқ; ёқимсизлик; қўполлик. *Қилиқнинг совуқлиги.* ▬ *Гапининг қўрслиги, муомаласининг совуқлиги учун қишлоқилар уни Соли совуқ деб атардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳозир унинг [Сидиқжоннинг] кўзига жувон бирон совуқлиги билан эркакни ўзидан қочирадиган қари қиз эмас, кўп йигитларни ўзига шайдо қилган.. бир нозанин бўлиб кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *айн.* **совуқчилик.** *Орага совуқлик солмоқ.* ▬ *[Ёрқиной] Дадасининг терс юрганидан қайнонаси олдида ўзини гуноҳкор сезарди. Хайрият, орадаги совуқлик хийла юмшабди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

5 Халқ табобатида: паст калорияли овқатлар (ёвғон хўрда, сут-қатиқ, сабзавот ва ш. к.); *зид.* **иссиқлик 3.** *-Э, чойи кабуд, мижозга совуқлик қилур, — деди у.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СОВУҚСИРАМОҚ Совуқ емоқ, танасига совуқ ўтмоқ; ўзини бир оз совуқ егандай ҳис қилмоқ. *От сувини ичгандан кейин совуқсираб, диркиллаб кишнаб, ўттиз икки нағмада ўйнай беради.* «Нурали».

СОВУҚХОНА 1 *айн.* **музхона.**

2 Маҳаллий ҳаммомларнинг иссиқхонасига кираверишда жойлашган, иссиқхонадан чиқиб, дам олиб, нафасни ростлаб ўтириладиган алоҳида совуқроқ хона. *Совуқхонада ювинмоқ. Совуқхонага чиқиб дам олмоқ.*

3 *тар.* Зиндоннинг алоҳида муздек совуқ бўлмаси.

СОВУҚЧИЛИК Бир-бирини ранжитиш, ўзаро адоват, низо ва ш. к. туфайли юзага келган ҳолат, совуқ муносабатлар. *Орага совуқчилик солмоқ.* ▬ *Шу сабаб бўлиб, ота-оналар ўртасига совуқчилик тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Орага расмиятчилик тушдими — совуқчилик аломати.* «Шарқ юлдузи». *Совуқчилик қуда чақириқдан бошланди.* «Шарқ юлдузи».

СОВУҚҚОН 1 Бўлар-бўлмасга ҳовлиқиб ёки тутақиб кетмайдиган; оғир, вазмин. *Совуққон одам.* ▬ *У [Тўғонбек] шаҳзодага ниятларини дилга яширишни, ҳар қандай шароитда ҳам яширин ишлашни, ҳар вақт совуққон бўлишни кенгаш берди.* Ойбек, Навоий.

2 Эътиборсиз, бепарво. *Совуққон раҳбар.*

СОВУҚҚОНЛИК 1 Оғир, вазмин бўлиш хусусияти. *Ўзини совуққонликка солмоқ.* ▬ *Албатта, эл фойдасидан кўра ўз манфаатини олдинга сурувчи бу чўтални бекларга қарши ҳожининг совуққонлик сақлай олиши ва асабийлашмаслиги мумкин эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сўз Гулшан билан учрашиш ва ундан олинган жавобга етганда, Анварнинг туси ўзгариб, киприк остлари учиб кетди. Аммо кутилмаган равишда яна совуққонлик сақлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Мансабдор шахснинг, умуман, бирор кимсанинг ўз вазифаларига эътиборсизлиги, бепарволиги; масъулиятсизлик. *Ўз ишига совуққонлик билан қарамоқ.* ▬ *Кейинги пайтда баъзи тиббиёт ходимларининг ўз ишларига совуққонлик ва тамагирлик билан муносабатда бўлаётганликлари аниқланди.* «Саодат».

СОВХОЗ [*р.* советское хозяйство – «совет хўжалиги» бирикмасининг қисқартмаси] *тар. эск.* Собиқ СССР да қишлоқ хўжалигида ташкил этилган йирик давлат хўжалиги. *Совхоз директори. Совхозда ишламоқ.*

СОВЧИ *этн.* Уйланувчи йигит томонидан бирор хонадоннинг вояга етган қизини кўриш ва уни келин қилиб беришга қиз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши. *Яхши отга қамчи керакмас, Яхши қизга – совчи.* Мақол. ▬ *Қиш ичи ҳам кети узилмаган совчилар бир-икки ҳафтадан бери келишдан тўхтаганлар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Қўшни маҳаллалик Орият бувининг уникига совчи қўйиши Саломат холанинг етти ухлаб тушига кирмаган эди.* «Саодат». *Аҳмад негадир паришонроқ бўлиб юрган кунларнинг бирида катта қизига совчи келди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СОВЧИЛИК Қиз кўриш ва қиз томон розилигини сўраш мақсадида бировнинг хонадонига бориш; совчи бўлиш. *Совчиликка бормоқ. Совчилик қилмоқ.* ▬ *[Онаси] Қаёққа совчиликка борса, ўғлингиз латта экан, деб қайтаришарди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Саври хола ўғлини хижолатдан қутқармоқчи, азобдан халос этмоқчи, Малоҳатникига совчиликка бормоқчи бўлди, аммо азадор уйга қандай боради!* «Шарқ юлдузи».

СОВҚОТМОҚ Баданидан совуқ ўтиб, оғриқ сезмоқ, жунжимоқ. *У боягина тўрвадаги балиғини кўтариб, қишлоқ йўлидан изғиринга юзма-юз келаётганида, танаси бунчалик совқотмаган эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

СОВҒА 1 Кимсанинг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун тортиқ қилиб берилган нарса; ҳадя, туҳфа. *Қимматли совға. Совға бермоқ. Душманнинг совғасидан қўрқ.* Мақол. ▬ *Шаҳар санитария бўлимининг бошлиғи ҳам машинасидан тушиб, у билан жуда қуюқ кўришиб, кўкрак чўнтагида турган авторучкасини совға қилди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Тўйга кеолмаган оғайниларидан уч-тўрттаси, Бадалбекни табриклаш учун, совғага магнитофон кўтариб келиб қолишди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 *кўчма* Кўпчилик учун тайёрланган ва тантанали равишда эгаларига топширил(ади)ган нарса. *Сайёҳлар, пойтахтимиз меҳмонлари байрам арафасида ана шундай ажойиб совға [янги меҳмонхона] оладилар.* Газетадан. *Тарихий саналар ва байрамларни меҳнат совғалари билан кутиб олиш – шонли ва азалий анъаналардан бири.* Газетадан.

СОВҒА-САЛОМ Бирор кимсага аталадиган ёки олиб бориладиган совға ва саломлар. *Жавҳар Янги йил олдидан, онасининг қистови билан совға-салом кўтариб, қизчасини кўргани борган экан.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Қодиржон Фарғонадан олиб келган совға-саломларни кўтариб, тўғри Шавкат аканикига борди.* «Ёшлик».

СОВҒОТ *эск. кт.* Совғалар, туҳфалар.

СОДА [*итал.* soda < *лот.* soda – натрий] **1** Натрий карбонатларнинг умумий техник номи. *Ичимлик сода. Каустик сода.* ▬ *Нўхатни тезроқ ва юмшаб пишиши учун ивитганда, чой содаси қўшсангиз ҳам бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Қадимги кишилар қумга сода ёки ишқор қўшилса, унинг эриш температураси бир қадар пасайишини билишган.* «Фан ва турмуш».

СОДАЛИ Таркибида сода бўлган, сода қўшилган, сода эритилган. *Содали сув.* ▬ *Кунжутли ёки содали нонлар асосан қиздирилган тандирларда пиширилгани маъқул.* Газетадан.

СОДДА [*ф.* ساده – мураккаб бўлмаган, оддий; соддадил, кўнгилчан; камтар] **1** Тузилиши, таркиби жиҳатидан мураккаб бўлмаган; оддий. *Содда механизм. Кимёвий содда моддалар.*

Содда гап *тлш.* Ўз таркибида биргина предикатив бирликка эга бўлган, маълум фикр ифодалай оладиган гап. **Содда кесим** *тлш.* Бир мустақил сўз орқали ифодаланган кесим. **Содда сон** 1) *мат.* ўзидан бошқа сонларга бутун бўлинмайдиган сон; 2) *тлш.* биргина сўздан ифодаланган сон. **Содда сўз** Таркибида биргина луғавий маъноли қисм бўлган сўз.

2 Ечилиши, осон, енгил, жўн. *Содда масала.* ▬ *Тешабойнинг ҳисоби содда: бирга – ўн!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Тушунилиши осон, равон. *Мақола оммабоп, равон ва содда тилда ёзилган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Маршал аслида сўз қидирмасдан, содда ва аниқ иборалар билан гапирса-да, бу сўзларни оҳиста талаффуз этарди.* Газетадан.

4 Ортиқча ҳашами, безаги йўқ, жуда ҳам оддий. *Содда уй.* ▬ *Соддагина чодирда ёлғиз яшаган Навоий дилгир, серташвиш эди.* Ойбек, Навоий. *[Кумуш] Шу соддагина ясанишдан сўнг иккинчи токчада тироғлик турган кўзгу ёнига борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Ортиқча такаллуф ёки қувлик-шумликни билмайдиган; оддий, камтар, соддадил. *Содда одам.* ▬ *Шерали бу содда, самимий қизнинг болаларча хатти-ҳаракатини кўриб, таажжубланди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Содда хотин эрининг куйиб-пишиб айтган бу гапларига астойдил ишонди. Сирни бировга айтмасликка ваъда берди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Нойиб кулди: -Соддасан, Акбарали! Подшолик ҳамма вақт юртнинг обрўли одамларини ҳимоя қилади. Обрў давлат билан топилади, муни биласан.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

6 Гўл, лақма. *Содда сири – тилида, писмиқ сақлар дилида.* Мақол. ▬ *Мен содда шунинг гапига ишониб ўтирибман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 Соддаларча қилинган, юзаки. *Элмурод Тожибойнинг.. содда ва беғубор мулоҳазасидан завқланиб кулди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОДДАДИЛ [*ф.* ساده‌دل – очиқ кўнгилли, ишонувчан; гўл, лақма] Қувлик-шумликни билмайдиган, кўнгли очиқ, кўнгли тоза, софдил. *Соддадил йигит.* ▬ *Бу соддадил чолнинг куйиб-пишиб отини мақташидан атрофдагилар ҳам завқланиб кулишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Соддадил авом халқ Олло таолонинг каломини ўртага қўйиб айтилган бу панду насиҳатларга қулоқ солмай иложи йўқ эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Содда, гўл. *Қовун сайил мавсуми ва кўклам чоқларида бир талай соддадил ва нодон одамлар қўй, қўчқор, сигир ва бузоқ етаклаб.. шайхларга назр қиларди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

СОДДАДИЛЛИК 1 Қувлик-шумликни билмаслик; софдиллик; гўллик, лақмалик. *Шўхлик ва қувноқлик, самимийлик ва соддадиллик болаларга хос хусусиятлардир.* Газетадан. *Соддадиллик қилиб, фириб еди-ю, қаҳрамонлик қилиб, ўзини оқлади.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

2 Соддадил кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Ҳайдарнинг соддадиллик билан ҳеч нарсани яширмай очиқ айтиши, ҳатто амакисининг чизган чизиғидан чиқмаслигини тан олавериши унинг оққўнгил одамлигини билдиради.* Э. Усмонов, Ёлқин.

СОДДАЛАШМОҚ 1 Тузилиши, таркиби жиҳатидан оддийроқ ҳолга келмоқ, соддароқ бўлмоқ. *Бошқарув аппарати соддалашди. Тенглама соддалашди (мат.).* ▬ *Либоснинг кундалик қисми бўлган безаклар бичими соддалашди.* Газетадан.

2 Муомала, юриш-туриш жиҳатидан оддийлашмоқ, оддийроқ, соддароқ бўлиб қолмоқ.

СОДДАЛИК 1 Ишонувчанлик, ҳар бир нарсани тўғри қабул қилишлик. *Соддалик қуриб кетсин, «Холматов», деганларида ҳам хаёлимга ҳеч нарса келмабди.* О. Ёқубов, Излайман.

2 Гўл ёки соддадил кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Соддалик қилмоқ.* ▬ *Темиржон соддалик қилиб, Ғойибжоннинг гапига чиппа-чин ишонарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *-Отини сўрамадингизми? -Уни қаранг-а, бу ҳам соддалик-да, сўрамабман.* Ойдин, Суҳбати жонон.

СОДИР [*а.* صادر – келиб чиқадиган; ташқарига чиқадиган; рўй берувчи] **1: содир бўлмоқ** Воқе бўлмоқ, рўй бермоқ, юз бермоқ. *Толиб ака гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек юраверди, Аҳмадни ўз ҳолига ташлаб қўйди.*

Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Аҳмад энг яқин одамларидан жудо бўлиб қолганини, мудҳиш воқеа содир бўлганини тушунди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Содир (эркаклар исми).

СОДИҚ [*а.* صادق – самимий, софдил; чин, ҳақиқий] **1** Сидқидилдан берилган, садоқатли. *Содиқ дўст.* ▬ *[Аваз] Юраги бозиллаб, тевараккa нолон боқиб.. ўзига содиқ рафиқ, сафдош, аниқроғи, бир раҳнамо излаб юргандек эди.* С. Сиёев, Аваз. *[Бобур] Кетганларни қайтариб келиш учун энг содиқ беклардан бирини Андижонга юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мен буюк юрт ўғлидирман, Мен башар фарзандиман, Лекин аввал сенга бўлсам Содиқ ўғлон, ўзбегим.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Содиқ (эркаклар исми).

Субҳи содиқ Қуёш чиқишидан сал олдинги тонг ёришиши. *Ана шундай тароватли субҳи содиқда Меҳтаробод маҳалласидан икки киши йўлга чиқди.* С. Сиёев, Аваз.

СОДИҚЛИК Садоқатли бўлиш, сидқидиллик, вафодорлик, садоқат. *Ватанга содиқлик. Дўстларнинг содиқлиги. Содиқлик кўрсатмоқ.* ▬ *Адолат бу аҳил эр-хотиннинг ҳаётини доим ҳавас қилар, уларни бир-бирига содиқлиги учун ҳурматлар, ўзининг ҳам ҳаёти ана шундай бўлишини орзу қиларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

СОЗ I [*ф.* ساز – розилик; рухсат; келишув; мослик, мувофиқлик] **1** Яхши, тузук, дуруст, қулай. *Оз сўз – соз сўз.* Мақол. *Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар.* Мақол. ▬ *Наманган бораман, создир ҳавоси, Мевалари ширин, дарднинг давоси.* С. Абдулла. *Бу гулшан соз эди, соз устига соз этгали келдик. Қадрдонларни шод айлаб, сарафроз этгали келдик.* Ҳабибий, Танланган асарлар.

Соз тупроқ Механик таркибига кўра энг оғир тупроқ тури. *Ағдарма машиналар йўл очилаётган жойга соз тупроқ ташиб келтирмоқдалар.* Газетадан.

2 Ўзаро яхши муносабат, муомала; ҳамжиҳатлик, иноқлик, иттифоқлик. *Қариндошлар билан созингиз чиқмас эмиш.* Н Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Соз(и) келмоқ Гапи, феъл-атвори мос келмоқ. *[Зиёдулла:] Сафар ака, биласиз, бизнинг Тарлоннинг тўриғингиз билан сози келмайди. Вақтини топдими, жиққамушт бўлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Ҳангомаси соз келмасми, Ҳар кимнинг тенгқури бўлса.* «Оқ олма, қизил олма».

3 *мус.* Созланган, сози тўғриланган. *Дутор ҳали соз эмас.*

4 Мусиқа асбоби торларининг ёки мусиқа асбобларининг ўзаро мос товуш уйғунлиги. *Роялнинг сози бузилибди. Созини тўғриламоқ.*

СОЗ II [*ф.* ساز – тор; мусиқа асбоби] **1** Миллий мусиқа асбобларининг (мас., дутор, танбур, ғижжак) умумий номи. *Қирқида қўлига соз олган қиёматда қулоғини бурар.* Мақол. ▬ *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу симфония орасидан авторнинг якка созда чалган турли пардадаги овози яққол эшитилиб туради.* «ЎТА».

2 Туркия, Эрон ва Озарбайжонда тарқалган торли-тирнама мусиқа асбоби.

3 Мусиқа асбобининг ёки хонандаларнинг овози, садоси, навоси. *Йўрғаларди созга бир гўзал дўндиқ, Ҳамма эшитарди завқ билан қўшиқ.* М. Алавия.

СОЗ III *шв.* Қамиш, қамишзор.

Соз силовсин Қамишзорда яшовчи силовсин, ёввойи мушук.

СОЗАНДА [*ф.* سازنده – қурувчи, яратувчи; чолғучи] Миллий мусиқа асбобларидан бирида машқ қилувчи мусиқачи; машшоқ, навозанда. *Ҳовузнинг икки ёнидаги икки супани хонанда ва созандалар эгаллаган, созларнинг куйи боғдаги булбуллар овозига қўшилиб, юракларда ширин орзулар.. уйғотарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ҳовлининг бир томонида, баланд сўрида хонанда ва созандалар мақомни янгратмоқда.* Мирмуҳсин, Умид.

СОЗЛАМОҚ 1 Соз қилмоқ, тўғриламоқ, яхшиламоқ; тартиб бермоқ. *[Рихсиев] Қиш бўлсаям, ҳашар қилиб, ҳовлини созлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Яхшиламоқ, яхши қилмоқ. *Саҳар турдим-у, кайфиятни созлаб, мактабга жўнадим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Мусиқа асбоблари товушини ўзаро мослаштирмоқ, уйғунлаштирмоқ, созини тўғриламоқ. *Гуландом дуторни олиб созларкан, деди: -Дутор бўлмаса, бу зиндонда юрагим ёрилиб ўлар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *тех.* Бирор технологик жараён ёки режимга мосламоқ, ростламоқ, тўғриламоқ. *Станокни созламоқ.*

СОЗЛИҚ *шв.* Қамиш босган ботқоқ ер; қамишзор. *..Биз текис йўл қолиб, созлиқни кечиб кетдик.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *У [Комил] йигитларни хирмоннинг орқасидаги созлиққа бошлаб ўтди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

СОЗЧИ *шв.* Созанда, машшоқ. *Қурбон созчи гармонь садафларини босиб, ажойиб сеҳрли куйлар ҳосил қилар, ўзи ёзган шеърни куйга солиб, қўшиқ айтарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Холдор созчи қирқ йил чалган эди соз, Гўзал чертар эди танбур-дуторни.* Ойбек, Камончи.

СОЙ 1 Икки адир ёки тоғ оралиғидаги, кўпинча оқар сувлар ҳаракати ва б. натижасида ҳосил бўлган пастлик жой, сув йўли, водий. *Бой бойга боқар, сув сойга оқар.* Мақол. ▬ *Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, сойлар кўк-қизил.. пушти, гўлос ва тағин аллақанча рангли чечаклар билан устларини бежаб, ошиқларга янги ҳаёт, янги умид бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Шундай водийда, пастликда доимий ёки мавсумий оқадиган кичик дарё, ариқ, ирмоқ. *Сой суви. Сойда чўмилмоқ. Сойдан кечиб ўтмоқ. Чой тўкилиб, сой бўлмас, Юлдуз йиғилиб, ой бўлмас.* Мақол. ▬ *У бомдодни адо этгач, харсанг тошлар оралаб шарқираб оқаётган сой бўйига тушиб, табиатнинг мислсиз жамолини томоша қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *махс.* Милтиқ стволи ичидаги бурама ариқча.

СОЙЛИК Ер юзасининг ботиқ жойи, пастлик, водий, сой. *Сойликлардан чўққига қадар Сўқмоқ йўллар узоқ чўзилмиш.* Х. Салоҳ. *Козим сойликка тушиб, яна юқорига ўрмалади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

СОКИН [*а.* ساكن – тинч, ювош, хотиржам; қўзғалмас, ҳаракатсиз; бир жойда истиқомат қилувчи] **1** *сфт.* Сукунатга чўмган, жимжит. *Ойдин оқшомларда қишлоқнинг сокин кўчаларида Мансур билан жимгина кезишларнинг ҳам.. ажиб бир гашти бор эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кафе сокин ва тинч, одам сийрак, атроф катта дарахтлар билан ўралган.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қиз ҳамон қўнғироқдек кулар, сокин боғ унинг шодон қаҳқаҳаси билан тўлган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *сфт.* Ҳаракатсиз, тинч. *Денгиз сокин. Менинг кўнглим Бўрон тилаб турибди..* Х. Даврон, Қақнус. *Кузак шамоллари эсдилар яна, Сокин юрагимда туйғулар қўзғаб.* А. Орипов, Ҳайрат. *Оппоқ булут изғир саросар, Оппоқ булут сокин осмонда.* Р. Парфи, Кўзлар.

3 *сфт.* Паст, босиқ (овоз ҳақида). *Ёдгор ғувиллаб кетаётган бошини базўр кўтариб қаради: Маҳмуда Алиевна ҳамон ўша сокин овозда гапирар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ним шабадада.. азим чинорнинг сирли бағридан чиқиб келган сокин ва қудратли шовуллаш оламни тутди.* А. Мухтор, Асарлар.

4 *рвш.* Аста-секин, бир маромда. *Тиниқ мовий осмонда парча-парча оқ, пуштиранг булутлар сокин сузади.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштулар. *Номига яраша қорамтир сув сокин, виқорли оқади, толларнинг йўғон қизғиш илдизларини ювади.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.

5 *рвш.* Хотиржам, осойишта. *Сарой вазири подшо ҳузурида ўзини сокин ва бетакаллуф тутган ҳакимни биринчи маротаба кўриши эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Темиржоннинг боқишлари сокин, қомати ҳам худди табиатига мос тушгандай нозиккина.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

СОКИНЛИК 1 Жимлик, жимжитлик, сукунат. *Тун сокинлигини онда-сонда итларнинг ҳуриб қўйишлари бузарди, холос.* «Ёшлик». *Қишлоқ узра сокинлик инди, Тун чодирин секин ташлайди.* «Шарқ юлдузи».

2 Босиқлик, хотиржамлик. *Мутрибнинг туриш-турмушидаги хокисорликми, ҳалимлик ё сокинликми, нимадир Авазга тез ва кучли таъсир қилади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *[Профессорнинг] Қорамағиз чеҳрасида алланечук хотиржамликми, сокинликми, шунга ўхшаш ифода кўриниб турар.. эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя, бор.

СОКИТ [*а.* ساكت – жим, индамай турувчи; камгап, индамас; осойишта, тинч, ювош] Сукут сақловчи; жимжит, осуда. *Ёмғирли кун эди, атроф жим, сокит, Маъюс кўзларингга боқардим сармаст.* А. Орипов. *Олима! Хаёлчан, қўлда қаламинг, Жим, сокит хонада ўйларинг чексиз.* Газетадан.

СОЛ 1 Бир-бирига арқон ва ш.к. билан маташтирилиб, сувда оқизиладиган ходалар.

Кемачилар узун ёғочларни.. сол билан оқизиб, Гамакўприк ёнида қирғоққа чиқардилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Тахта-ёғочларни ёки сувда чўкмайдиган нарсаларни бир-бирига бириктириб ясалган супа; платформа. *Сирдарёда юрибди Сол ҳам қайиқ, ёр-ёр. Қишлоғингизда борми Бизга лойиқ, ёр-ёр.* М. Алавия. *Эртасига эрта билан от-араваларни сол устига чиқариб, дарёдан ўтказиш машаққати бошланди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СОЛДАТ [*нем.* Soldat < *итал.* soldato – маош, мояна олувчи < soldo – пул, танга] Аскар, жангчи, ҳарбий киши. *Дарвоза олдида иккита солдат соқчилик қилиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Полковник солдат ва офицерларнинг жангга тайёргарлиги қандай бораётганлигини текширди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

СОЛДАТЛИК Солдат бўлиб хизмат қилиш; аскарлик. *Солдатлик бурчи. Солдатлик мундири. Солдатликка чақирилмоқ.*

СОЛДАТЧА 1 *сфт* Солдатлар учун белгиланган, солдатларга хос. *Солдатча этик.*

2 *рвш.* Солдатлардек, солдатларча. *Солдатча юрмоқ.*

СОЛДИ-ПИШДИ Тезпишар тарвуз номи.

СОЛИДОЛ [*лот.* solidus – қуюқ, қалин + oleum – мой, ёғ] Автомобиль, трактор деталларини ва б. механизмларнинг қисмларини мойлаш учун ишлатиладиган қуюқ мой.

СОЛИК [*а.* سالك – йўлчи, йўлдан юрувчи; очиқ, бўш йўл; суфийликда учинчи босқичга етишган зоҳид] Тасаввуфда: сулук (тариқат)ни ихтиёр қилган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган мурид.

СОЛИМ Улоқни маррага етказган кишига бериладиган соврин. *Кунда чиқиб бул кўпкари қилади, Кунда солим, улоқ бериб туради.* «Алпомиш». *Ғолибни солим берадиганларнинг ҳузурига ўзи етаклаб бормаса, кўнгли жойига тушмайди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

СОЛИНМОҚ 1 Солмоқ 1-2, 4-5, 7-9, 12-19, 21 фл. мажҳ. н. *Жажжигина хона биллур қандилдан ёғилаётган нурга тўлган, деворлардаги кекса артистларнинг суратлари солинган рамкалар ойнаси ярақлаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Узукларга солинган Кўздай бўлди Ойчинор.* «Ойсулув». *Сув йўқ, сув солинган кўзача отнинг тагида қолиб синган.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Шимининг тиззаси билан ўнг чўнтагининг тагига ямоқ солинган эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Супанинг қаршисига, ўн қадамча нарига мўъжазгина бир чорпоя қўйилиб, унга самоварнинг эски-туски палослари солинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тўғри, идишларни ўз вақтида қайтармаган савдо ташкилотларига жарима солиняпти.* Газетадан. *Зайнабнинг.. оғаси томонидан ушланиб, кишанга солинган можароси эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳовлининг уч томони бир уй, бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гилосзор боғча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Набигулнинг акаси Қодирга попоп машина билан гул солинган қора бахмал бир рўйжа кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Лекин схематик, тили ғализ, баъзи қоида ва шаблонга солинган.. асарлар кишиларга ёқмаяпти.* «ЎТА». *Агар соябон аравада кетаётган икки хотиннинг висир-висирига қулоқ солинса, балки Тешабойнинг сирини билиб олиш мумкин бўлар*? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Солмоқ 17 фл. ўзл. н. *Ғуломжон.. шунча гуллар ичидан излаган гулини топмадими, қўллари осилиб, боши солиниб чиқди гулзордан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Осилмоқ, осилиб тушиб турмоқ. *Маъмуржоннинг ўсиқ қошлари солинди, гўё шу қошлар оғирлигидан кўзлар ерга қарарди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

СОЛИНЧАК Қулоқнинг сирға тақиладиган пастки юмшоқ қисми; сирғалиқ. *Солинчакларда бадомнусха кумуш гажаклар, ойнадор болдоқлар ҳалқа-ҳалқа бўлди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

СОЛИСТ [*итал.* solista < *лот.* solus – бир, ягона] **1** *қ.* **яккахон**. *Муҳиддин қори уни [Уста Олимни] ўз ансамблида солист-музикачи бўлиб ишлашга таклиф қилди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Ака-сингил оркестрда солист бўлиб ишлай бошладилар.* Газетадан.

2 Операда мустақил партияларни ижро этувчи хонанда, балетда якка номер (рақс)-ларни ижро этувчи артист.

СОЛИСТКА Солист аёл.

СОЛИШМОҚ 1 Солмоқ 1-25 фл. бирг. н. *Болалар расм солишмоқда.* ▬ *Ўртоқларим солишар қулоқ, Ҳикоянгни сўйлаганимда.* Р. Бобожон, Танланма. *Уч йигит сандалнинг*

оёқ томонига ўтириб, дилдираётган нотаниш кишини ўраб, гапга солишди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Жанг қилмоқ, уришмоқ, муштлашмоқ. *У [Асқар полвон] қоида, усул ва тартибга риоя қилмасдан, девдек солишади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

СОЛИШТИРМА Солиштиришга, қиёслашга асосланган, солиштириш, қиёслаш учун асос бўладиган; қиёсий. *Ҳайвонларнинг солиштирма анатомияси.*

Солиштирма оғирлик *физ.* Бир жинсли жисмнинг ҳажм бирлигига тўғри келувчи оғирлиги. *Муайян жисм солиштирма оғирлигининг қиймати ўлчов ўтказилаётган жойнинг географик кенглигига ва Ер сиртидан баландлигига боғлиқ.* «ЎзМЭ».

СОЛИШТИРМОҚ 1 Солишмоқ 2 фл. орт. н. *Хўрозларни роса солиштирдик.*

2 Қиёс қилмоқ, таққосламоқ. *Ўтган йилги натижаларни бу йилги натижалар билан солиштирмоқ. Қўлёзмани солиштириб ўқимоқ.* ▬ *Беихтиёр у [Низомжон] опаси билан Асрорани солиштира бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

СОЛИҚ I **1** Давлат томонидан амалдаги қонунлар асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг даромади ёки мол-мулкидан ундириладиган ва бюджетга ўтказиладиган мажбурий тўлов. *Маҳаллий солиқ. Даромад солиғи. Солиқ йиғмоқ. Солиқ тўламоқ.* ▬ *Унинг [Мусулмонқулнинг] ўз кайфича ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқароларнинг терисини шилса.. остириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкиратди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Солиқ имтиёзлари беришнинг хилма-хил шакллари жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг солиқ амалиётида қўлланади.* «ЎзМЭ».

2 Бирор харажатни қоплаш, бирор маърака-маросимни ўтказишга ёрдам бериш мақсадида ўзаро келишиб, кўпчиликка (асосан қариндошлар ва яқин кишиларга) сочилган, тақсимланган тўлов, йиғим.

3 *этн.* Олиқ-солиқдаги битимга мувофиқ, куёв томондан келин томонга берилиши лозим бўлган пул ва нарсалар.

СОЛИҚ II Қуйи солинган, осилган, солиғлиқ. *Унинг [Дадамат аканинг] қовоғи солиқ, кўринишидан жаҳлдор одамга ўхшарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ранги қув ўчиб, беҳуш каби қотган.. Аҳмад Ҳусайн боши қуйи солиқ эди.* Ойбек, Нур қидириб.

СОЛИҚЧИ Солиқ олувчи, йиғувчи, тўпловчи. *Илгарилар бу ерга елкасига милтиқ тақиб, ёнбошига чарм халта осган отлиқлар келар, одамлар уларнинг қорасини узоқдан кўрибоқ, «солиқчи» дердилар ва бекинишга жой ахтариб, тирқираб кетардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОЛИҒЛИҚ 1 Солиб жойлаб қўйилган, солинган. *Қинга солиғлиқ ханжар.* ▬ *Китобнинг қатига дафтар, қалам ҳам солиғлиғича қолган.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Қуйилган, солинган. *Самоварда сув солиғлиқ турибди.*

3 Солинган, ёзилган, тўшалган. -*Бу ёққа ўтиринг, — деди у, эрини палос солиғлиқ супага таклиф қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Солиб қўйилган, солинган, бекитилган. *Тугмалари солиғлиқ.* ▬ *Секин келиб, кўча эшикни итарсам, ичидан қулф солиғлиқ.* «Муштум».

5 *айн.* **солиқ** II. *Одилов.. Мавлоннинг кўнглини кўтаришга уринди. Мавлон эса, қовоғи солиғлиғича.. индамай ўтираверди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

СОЛИҲ [*а.* صالح — хушахлоқ; яхши, очиқ кўнгилли; яхши, эзгу; фойдали; тўғри; салоҳиятли, ярoқли] **1** Эзгу, савобли; энг яхши; фойдали. *Қуръонда.. солиҳ амал ҳам имон таркибига киритилган.* «ЎзМЭ». *Яхши одамлар, гарчанд ўзлари жисман орамизда йўқ бўлсалар ҳам, солиҳ ишлари ва ибратли хислат-фазилатлари билан тирикларнинг ҳаётига кўмакдош бўлиб яшайдилар.* Газетадан.

2 Кишига фақат яхшилик қиладиган, мўмин-қобил, яхши. *Фарзанди солиҳ.* ▬ *Ўғлингизга ўқитиб дину диёнат йўлини, Солиҳу дуппа-дуруст аҳли мусулмон қиламан.* Ҳамза.

3 Солиҳ (эркаклар исми).

СОЛКАШ [*ф.* سالكش — йил ўтказувчи, йил тортувчи] Йил оша мева қиладиган. *Солкаш олма.* ▬ -*Жийда солкаш кўринади, бу йил мева қилмаяпти, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

СОЛЛАНМОҚ I Осилиб тушмоқ, осилмоқ, эгилмоқ. *Қор босган дарахт шохлари солланиб ётибди.* З. Дўсматов, Ёқут. ..*қия очиқ қолдирилган шиша тутқичли бир эшикда ҳимарилган дарпарданинг узун этаклари солланиб турарди.* У. Исмоилов, Сайланма.

СОЛЛАНМОҚ II У ён-бу ён тебранмоқ, чайқалмоқ. *Дарҳақиқат, тор кўча ичидан.. Нозикхон амиркон кавушини ғирчиллатганча солланиб келарди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Қуёш бир маромда нур сепар, теварак товланар, дарё ҳам ўзгача жило ёйиб, солланиб оқар, фақат ўша Сўлимбек йўқ эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

СОЛМА *шв.* Кичкина ариқ, ариқча. *Эшигингнинг олди солма, Солмадан, оға, сув олма.* «Қўшиқлар».

СОЛМОҚ 1 Бирор нарса ичига ёки устига жойламоқ, қуймоқ, ташламоқ. *Нарсаларни чамадонга солмоқ. Дастрўмолни чўнтакка солмоқ. Пичоқни қинга солмоқ. Самоварга олов солмоқ. Милтиққа ўқ солмоқ.* ▬ *Чол «хўп» деб, бўрини қопга солиб, устига похол ёпиб бекитиб қўйибди.* «Чалпак ёққан кун». *Бўзўғлоннинг насиҳатин олмадим, Шу Маҳмудни зиндонимга солмадим.* «Юсуф ва Аҳмад». *Бир балиқчи дарёга қармоқ солиб ўтирган экан.* «Эртаклар». *Насиба боласини беланчакка солиб аллаламоқда.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Лаълихон соат бешни мўлжаллаб, ошнинг гурунчини солди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит?

Юзига солмоқ Таъна қилмоқ, бирор нарсани таъна билан эсига солмоқ. *Яхшибоевнинг юраги шув этиб кетди. Ҳозир юзимга солади, деб ўйлади, мен ўғлингни ўқишга киритиб қўювдим, дипломатликка ўқиётувди, энди нега рассомлик қилиб юрибди, деб айтади.* М. М. Дўст, Лолазор. **Ўт солмоқ** Қийнамоқ, азоб бермоқ. **Қўйнига қўл солмоқ** *қ.* **қўл**.

2 Ўрнатмоқ, қўймоқ. *Узукка кўз солмоқ. Рамаларга ойна солмоқ. Тиш солмоқ.*

3 Ўтирғизмоқ. *[Хуморхон:] Марасул ака, машинангизга солиб, бир айлантириб келсангиз-чи!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 Меъёри билан қўшмоқ; қуймоқ. *Овқатга туз солмоқ. Ерга ўғит солмоқ. Самоварга сув солмоқ.* ▬ *Эрталабки нонуштага бериладиган овқатга сариёғ солинмайди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

5 Бермоқ, ташламоқ (молга бериладиган овқат ҳақида). *Тоштемир қудуқдан бир неча марта сув чиқариб, отларни суғорди, охурларга беда солди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

6 Бирор ҳолатга туширмоқ ёки бирор ҳолатни юзага келтирмоқ, пайдо қилмоқ. *Ёқубжонни аввалига лаънатладим, кейин оқладим. Негаки, у менинг мудроққа мойил танимга ғулғула солди, хаёлларимни остин-устун қилиб юборди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Йигиталининг бемаҳал келиши Сафаралининг кўнглига бир оз шубҳа солган бўлса ҳам, у қувонган бўлиб: -Йигитали келди, Муҳаббат, — деди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Қизнинг қийғоч қоши, жарангли кулгилари кимларнингдир юрагига ларзалар солган.* «Саодат». *Кумушнинг бу ҳоли бечора онанинг юрагини эзар, юз хил васвасаларга солар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Бирор тартиб, йўналиш, ўлчов, вазият ва ш.к. га туширмоқ; мослаштирмоқ. *Ишни изга солмоқ.* ▬ *Чунки асарнинг тилини безаш, ўз услубига солиб таржима қилишни.. услублаштириш деймиз.* «ЎТА».

8 Ёпиштириб тикмоқ, уламоқ. *Улоқ солмоқ. Ямоқ солмоқ.*

9 Тўшамоқ, ёзмоқ. *Ўрин солмоқ. Кўрпача солмоқ. Дастурхон солмоқ.* ▬ *Гўрўғли билан Шерниёзнинг йўлларига пойандозлар солишди, иззат-икром билан Қосимхоннинг олдига олиб боришди.* «Гулшанбоғ». *Кумушни ўрин ёзишга қўймай, ўзи пар тўшакни олиб, ерга солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 Тўшамоқ, ётқизмоқ. *Йўлларга шағал солмоқ.*

11 Рўпара қилиб, қаратиб қўймоқ, тутмоқ. *Хатни чироққа солиб ўқимоқ.* ▬ *Қиз ўзини ойнага солди.* «Шарқ юлдузи». *Карим, Ота писмиқ, Қорахўжалар Миролим буванинг дарвозахонасида ўзларини офтобга солиб ўтирибди [деди Саид].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Тоғай кутган ҳол юз берди: отаси шишани ёруққа солиб кўра бошлади.* «Ёшлик».

12 Қуритиш, ачитиш, пишириш учун қўймоқ. *Майиз солмоқ. Қоқи солмоқ. Вино солмоқ.* ▬ *Жаннат хола шошиб ун чалиб, қуймоқ солди-да, болтани қўлига олиб, тўқайга қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

13 Тўлов мажбуриятини юкламоқ, белгиламоқ. *Солиқ солмоқ. Жарима солмоқ.* ▬ *Менга қолса, бу кунларда [халққа] ўттиз икки танга эмас, ўттиз икки қора пул солиш ҳам оғирдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

14 Бирор кимса ёки кўпчилик муҳокамасига қўймоқ, ҳукмига топширмоқ, ҳавола қилмоқ. *У киши мажлисга солган иш бўлмай қолмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бир-бирига солмоқ Бир-бирига ҳавола қилмоқ, тўнкамоқ, сансалорликка солмоқ.

Ўртага солмоқ 1) кўпчиликнинг муҳокамасига қўймоқ, ҳукмига топширмоқ. *Албатта! Умумий мажлис қиламиз, ўртага соламиз.* А. Қаҳҳор, Бек; 2) *кўчма* рўкач қилмоқ. *Иккинчи марта эрга чиқишим ҳақида биринчи оғиз очган қайнонам бўлди. Болаларимни ўртага солди.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 3) *кўчма* ўртада баҳам кўрмоқ, умумлаштирмоқ. *Капсанчилар Баҳрободда собиқ батрак ва чоракордан ташкил топган бир колхоз борлигини, улар ер-сув, от-улов, асбоб-ускуналарини ўртага солиб, шериклик деҳқончилик қилишларини эшитган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

15 Бирор нарса ёки кимсага йўналтирмоқ, қўймоқ. *Овга қуш солмоқ.* ▬ *Добил чалиб, қушлар солиб келай деб, Ёлғиз бориб қолдим Ховдак кўлина.* «Гулшанбоғ». *Навкар, от солиб борди-ю, Ҳасан қайғичини улоқдай азот кўтариб, эгарга ўнгариб олди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кеча манави картага Дилдор трактор солмаган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

16 Бирор ишга, ҳаракатга туширмоқ, йўлламоқ, ташламоқ. *Бутун кучларни жангга солмоқ.*

17 Ёллаб ишга туширмоқ. *[Бухгалтернинг хотини] Ўзи ишламагани-ишламаган, яна одам солиб берасан, деб ҳар куни хархаша қилгани ортиқча.* Қ. Мақсудов, Саодатли чаманда. *Менга қаранг, уйга ҳеч уста солганмисиз?* «Ёшлик».

18 Арқон, занжир каби нарсалар уриб, ташлаб банд этмоқ, боғламоқ. *Бўйнига сиртмоқ солмоқ. Оёқларига кишан солмоқ.* ▬ *Эҳҳе, ҳали шундайми? Нури опангиз тушини сувга айтсин, занжир солиб судрасалар ҳам, бошқа ёққа бормайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

19 Қисмларини бир-бирига туширмоқ, ўрнига қўймоқ. *Машинага ип солмоқ. Кўйлакнинг тугмасини солиб олмоқ.* ▬ *Болалар тезгина эшикни ёпиб, орқасидан занжирни солиб қўйдилар.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

20 Барпо қилмоқ, қурмоқ, ясамоқ. *Уя солмоқ. Уй солмоқ.* ▬ *Ҳозир биров иморатини ўхшатиб солса, бошқалар ҳам ундан қолмай деб тиришади.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисми балиқларнинг уруғ ташлайдиган, ёввойи ҳайвонларнинг урчийдиган, қушларнинг уя соладиган жойидир.* «Фан ва турмуш».

21 Ҳозирламоқ, тайёрламоқ; қурмоқ. *Чилим солмоқ. Арғимчоқ солмоқ.* ▬ *Дарвозадан ўн беш одимлар нарида.. дарвоза беклари гулхан солиб, чилим чекиб ўтирадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

22 Зарб билан урмоқ, туширмоқ. *Тарсаки солмоқ. Мушт солмоқ. Айлантириб солмоқ. Қилич солмоқ. Қулоқ-чаккасига солиб қолмоқ.* ▬ *Қўлинг қичиган бўлса, биқинига солмайсанми, бетигаям урасанми, нодон!* «Ёшлик». *Кучинг етмас экан, нима қилардинг беллашиб, тош-пош билан жон жойига солмайсанми ўхшатиб.* «Ёшлик».

23 Чизмоқ, ишламоқ, ясамоқ (гул, нақш ва ш.к. ни). *Расм солмоқ.* ▬ *Ҳозирги ўсмирлар ҳар хил нарсаларнинг сурати солинган кийимларни кўпроқ яхши кўришади.* Газетадан.

24 Осилтирмоқ, солинтирмоқ. *Эр йигитнинг бош солгани — ўлгани.* Мақол. ▬ *Алимардон каравотга қўлларини тираганча, бошини қуйи солиб ўтирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

25 Ечмоқ, олиб ташламоқ, туширмоқ (кийимни). *Кўйлак ечар, — деди Қумри турган куйи ва кўйлагини ечиб ташлади. — Иштон солар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

26 *бот.* Тугмоқ, гулдан мева ҳолига ўтмоқ. *Қовоқ бешта солибди.* ▬ *Уч туп тарвузнинг ҳар бири ўнтадан солган экан.* «Чалпак ёққан кун».

27 Қўшма феъллар таркибига киради, мас., *асос солмоқ, ваҳима солмоқ, гапга солмоқ, дам солмоқ, даҳшат солмоқ, дод солмоқ, эсга солмоқ, қорин солмоқ, қулоқ солмоқ.* ▬ *[Фазилат опа] Тўғри келган одамнинг кўксига ўзини ташлаб, уввос солади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Гулнорпари ўтқизди-да, канизини гапга солди.* «Гулнорпари». *Нормат қўшиққа қулоқ солиб, ичкаридаги одамнинг чиқишини кута бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

28 **=а/=й** ёки **=(и)б** аффиксли равишдош билан келиб, шу равишдош орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг батамом ёки рўйирост бажарилганлигини билдиради. *Бор гапни айтиб солмоқ.* ▬ *Яхшибоев индамай турди. Сездики, Қўзибойнинг дардлари чўнг, дардларини тамом тўкиб солмоқчи — тасалли кор қилмайди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Низомжон чидамади. Юрагида тўлиб-тошган гапларни узил-кесил тўкиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб, яна далага қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

29 =а/=й аффиксли равишдош билан кўмакчи феъл вазифасида келиб, шу равишдош орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг дарҳол бажарилганлигини билдиради. *Бола тура солиб, уйига қочди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Замон кела солиб, у одамдан сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бошига солмоқ Атайлаб ёмонлик қилмоқ. *Бу ерларга келган кетмайди омон, Бошингга соларман охират замон.* «Маликаи айёр». **=га солмоқ** ..қилиб кўрсатмоқ. *Ўзини ухлаганга солмоқ.* ■ *[Мақсуд қори:] Менга қара, эшон бола, ўзингни гўлликка солма.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *-Ўзингизни овсарликка солаверсангиз, ҳужжатни биз кўрсатамиз, — деди ниҳоят терговчи..* «Ёшлик». *Тошпўлат унинг тагдор гапларига дафъатан тушунмади, ўзини лоқайдликка солиб, уни қувватлаган бўлди.* К. Яшин, Ҳамза. **=дан олиб, =га солмоқ** Ҳадеб, зўр бериб такрорламоқ, қайта-қайта айтмоқ, атамоқ (койиш, ҳақорат сўзлари ҳақида). *Борди-ю, ишинг сал «эртага» қолганини билса.. тўрадан олиб, тўрага солади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мажлис тарқагандан кейин Наимий Онахондан узр сўради, ўзини нодондан олиб, нодонга солди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Йўлга солмоқ** 1) тартибга чақирмоқ, тўғри йўл кўрсатмоқ. *Аҳмад маҳалладаги болаларни йўлга солиб турарди.* «Ёшлик»; 2) бирор иш-ҳаракатни қилишга ундамоқ. *Ўғлимни шу одам йўлга солган, хотининг билан ажраш, деган;* 3) ҳийла-найранг билан айтганини қилдирмоқ. *Мени алдаб сололмайсан йўлингга..* «Маликаи айёр». **Назар** (*ёки* **разм**) **солмоқ** Қарамоқ, боқмоқ. *Икки пари юзидан пардасини олди. Гўрўғлига қараб, бир назар солди.* «Гулшанбоғ». *Самандар ҳаяжон ичида қизга бош-оёқ разм солди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. **Оғиз солмоқ** Келинликка ёки хотинликка сўрамоқ. *Шу йили кўкламда Мирҳамид миробнинг бевасига оғиз солди.* «Ёшлик». **Ўзини у ёқ-бу ёққа солмоқ** 1) дангасалик қилмоқ; 2) бирор ишни қилмаслик учун баҳона топмоқ.

СОЛНОМА [*ф.* سالنامه — йилнома; тақвим < سال — йил + نامه — хат, ёзув, битик] **1** *айн.* **йилнома**. *Тарих солномаси.* ■ *Солнома, одатда, тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси томонидан ёзилган.* «ЎзМЭ». *Бағдод тарихидан шундай солнома, Битмиш кўп қадимда қай бир аллома.* А. Шер, Қадимги куй.

2 *эск. айн.* **календарь, тақвим**.

СОЛО [*итал.* solo — якка, ягона < *лот.* solus — бир, битта] *мус.* Якка созанда, хонанда, раққоса ижро этиши учун мўлжалланган асар ва унинг ижроси. *Скрипка солоси.* ■ *-Овозим яхши бўлгани учун мен унинг [Ҳамзанинг].. қўшиқларининг солосини ижро этардим, — деди Фаёзов.* Э. Зокиров, Хоразм санъатининг фахри.

СОЛОР [*ф.* سالار — бошлиқ, йўлбошчи] *эск.* Саркарда, бошлиқ.

СОЛТОБ [*ф.* سالتاب] *шв.* Ёши катта, анча ёшга бориб қолган, қартая бошлаган. *Ўрта яшар бўлайин деган канииздан қартайган кўҳна солтоб канизлар паст тушиб, қалпоқ сотиб турибди.* «Равшан».

СОЛЬ [*лот.* sol — қуёш] Мусиқа гаммасининг бешинчи товуши ва унинг нота белгиси.

СОЛЯРИГРАФ [*лот.* solaris — қуёшга доир + *юн.* grapho — ёзаман] Қуёш радиациясини қайд этиб борувчи асбоб. *Солярииграф Қуёш ва Қуёш системасидаги сайёраларни ўрганишда қўлланади.* «ЎзМЭ».

СОЛЯРИЙ [*лот.* solarium < sol — қуёш] қуёш ваннасини қабул қилиш ёки қуёш (нурлари) билан даволаш учун махсус жиҳозланган очиқ майдонча ёки хона.

СОЛЯРКА [*р.* < *лот.* solaris — қуёшга доир] Нефтни ҳайдаш, қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган, ўзига хос ҳидли мойсимон суюқлик; соляр мойи (кўпинча мотор ёнилғиси сифатида, шунингдек, техника, кўнчилик, тўқимачилик соҳаларида ишлатилади). *-Бу қозонлар торф билан ишлайди, солярка билан эмас, — жавоб берди куёв.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка. *[Кўчқор:] Илгари тезак ёқиларди, энди тезакни солярка билан ёқяпмиз.* «Ёшлик».

СОЛҚА 1 Яхши тортилмаган, ўртаси осилиб тушган, солинган. *Солқа дор. Солқа тортилган арқон.*

2 Осилиб тушган, лўмбиллаган ёки керккан. *Солқа лунж.*

СОЛҚАЛАНМОҚ *айн.* **солқимоқ 1**.

СОЛҚИ *шв.* Солқа.

СОЛҚИМОҚ *айн.* **салқимоқ 1.**

СОЛҒИТ *шв.* Солиқ, ўлпон. *-Солғитлар жонга тегди! Хоннинг зулми ошди! — деган гаплар ҳавони қоплар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

СОМБРЕРО [*исп.* sombrero < sombra — соя, кўланка] Асосан, Марказий ва Жа-

нубий Америкада тарқалган, соябони кенг шляпа.

СОМБУСА *эск. кт. айн.* **сомса**.

СОМЕ(Ъ) [*а.* سامع – эшитадиган, эшитувчи; *3-ш. бирл.* **сомеи**] *кт.* **1** Эшитувчи, тингловчи. *Кўпинча Абу Убайд «Китобушшифо» дан бир бобни ўқир, унга диққат билан қулоқ солиб ўтирган сомеълар, тушунмаган ерларини сўрар эдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Хотира йиғлатар найга айланиб, Сел бўлиб тин олар соме Регистон.* А. Исроилов, Биз – дунё одамлари. *Севаргул ўйчанлик билан чўнқайиб, тиловатга соме ўтираркан, тағин беихтиёр таажжубланди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

2 *дин.* Қуръон ўқиётган қори янглишганда ёки унутиб тўхтаб қолганда луқма солиб турувчи иккинчи қори.

СОМЕЛИК Соме бўлишлик, иккинчи қори вазифасини бажариш. *Қишлоқилар менинг қори эмаслигимни, ёлғондан сомеликка ўтганимни пайқаб қолибдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

СОМИЙЛАР [*а.* سامى – олий, олиймақом < *а.* سام / *қад. яҳ.* Шем (Сим) – Исм, Ном: Нуҳ пайғамбарнинг ўғилларидан бирининг номидан] Шимолий ва Шарқий Африкада, шунингдек, Олд Осиёда яшаган ва сом тиллари оиласига кирадиган тилларда сўзлашган қадимий (аморийлар, финикийлар, оссурийлар, оромийлар, сурёнийлар ва б.) ва сўзлашувчи ҳозирги (араблар, амҳарлар, Исроил яҳудийлари, сурияликлар) халқлар. *Фандаги маълумотларга кўра, сомийларнинг аждодлари қадимда Саҳрои Кабирнинг шимолида яшаган деб тахмин қилинади.* «ЎзМЭ».

СОМИЙШУНОС [*а. + ф.* سامى‌شناس – сомийларни ўрганувчи] *айн.* **семитолог**.

СОМИЙШУНОСЛИК *айн.* **семитология**.

СОМОН Буғдой, арпа, шоли янчилганда, пояларининг эзилиб майдаланишидан ҳосил бўладиган, маҳаллий бинокорликда ва ем-хашак сифатида ишлатиладиган маҳсулот. *Майда сомон. Йирик сомон. Молларга сомон бермоқ. Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони афзал.* Мақол. ▬ *У ярим ойдан бери пичан тайёрлаш, беда ўриш, сомон ҳозирлаш билан банд.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

Сомон сувоқ Сомон солинган лой билан қилинган сувоқ. *Сомон сувоқ қилинган айвон деворидаги катта михга илинган эски радиорепродуктор.. бир алфозда хирилларди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

Сомон йўли *астр.* Ҳаво очиқ тунда оддий кўзга ёруғ йўл каби кўринадиган юлдузлар туркуми. *Сомон йўли юлдузлари тўплами тартибсиз бўлмай, ўзаро тортиш кучи билан боғланган системани ҳосил қилади.* «ЎзМЭ».

СОМОНИЙ Тожикистон Республикасининг асосий пул бирлиги номи (2000 йилдан).

СОМОНХОНА Сомон сақланадиган жой, хона. *Ағёрнинг сирли меҳмонхонасидан дўстингнинг сомонхонаси яхши.* Мақол. *Бузоқнинг югургани сомонхонагача.* Мақол. ▬ *Бу данғиллама бинонинг ичкари томони катта сарой бўлиб, унинг отхонаси, сомонхонаси ва узун кетган айвони бор.* Ҳ. Шамс, Душман.

СОМОНЧИ Сомон келтириб ёки ёзда сомон босиб, қишда сотувчи савдогар.

Сомончи йўли *айн.* **Сомон йўли** *қ.* **сомон.** *Осмони заминда, арава орқасидан кўтарилган тўзондек бўлиб, Сомончи йўли кўринди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бу ўлик океан устига тўнкарилган осмонгина гўё барҳаёт: тубсиз қоронғилик тепасида Сомончи йўли нуқрадай жимирлайди.* А. Мухтор, Асарлар.

СОМСА Ёйилган хамирга гўшт, қовоқ ва ш. к. солиб тугиб, одатда тандирга ёпиб, шунингдек, газ духовкаларида ҳам пишириладиган егулик. *Гўшт сомса. Қовоқ сомса. Исмалоқ сомса. Сомса ёпмоқ.* ▬ *Сут-қаймоққа йўғрилган жимжимадор патир кулчалар, ҳали совимаган тандир сомсалар.. ҳаммаси фаросат, дид билан қўйилган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ошхона деразаси ёнида туриб, сомса ясаётган уйғур йигит ҳам гўзал қиздан нигоҳини узмасди.* Мирмуҳсин, Умид.

СОМСАПАЗ Сомса пишириб сотувчи шахс. *Узоқда қатор чойхоналар, дўконлар кўринар, муюлишда ўчоқ устига мукка тушган сомсапаз оловни ковлаб, тутун бурқитар эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

СОМСАПАЗЛИК Сомса пишириш ва сотиш билан шуғулланиш. *Сомсапазлик қилмоқ.*

2 *тар.* Бозорда сомсапазлар дўкони жойлашган раста.

СОН I **1** *мат.* Нарсаларнинг қанчалигини, саноғини, ададини ҳисоблаш учун хизмат қиладиган восита; математик тушунча. *Бутун сонлар. Каср сонлар. Сонлар нисбати.*

Сонлар назарияси. ▬ *Сон тушунчасининг ривожланишига ўрта аср математиклари ҳам катта ҳисса қўшдилар.* «ЎзМЭ».

2 *с. т.* Рақам. *Бир сони. Йигирма беш сони.*

3 Миқдор, саноқ; адад. *Келаётган аёлларнинг сони йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сўнгги қирқ йил мобайнида республикамизда илмий ходимларнинг умумий сони 103 марта.. кўпайди.* «Фан ва турмуш».

Сон мингта Жуда ҳам кўп, неча-неча мингта. *..Ёшуллини, марҳума Қурбоной қизимизни мақтаганлар сон мингта. Уларни кўйилик, менинг ўзимни мақтаганлар-чи?* М. М. Дўст, Лолазор.

Сони бор, салмоғи йўқ *қ.* **салмоқ.**

4 Номер; тартиб номери. *Иккинчи сон ўрта мактаб.* ▬ *«Мулла Насриддин»нинг у сонини очиқ эслай олмасам ҳам, кўрганлигим хотирамда равшан бор.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

5 *тлш.* Предметларнинг миқдорини, сон-саноғини ва саноқ жиҳатидан тартибини билдирувчи сўз туркуми. *Саноқ сонлар. Тартиб сонлар. Чама сонлар.*

Сон кирди (*ёки* **тегди**) Дуруст бўлиб қолди, тузалди. *Унга ҳеч сон тегмайди.* ▬ *[Кўчқорнинг] Кўполликлари ҳам йўқолиб боряпти. Кийим-бошига сон кириб қолди.* А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Топилган қиз. **Сонга қўшилмоқ** *(ёки* **кирмоқ***)* 1) ҳисобга, қаторга кирмоқ. *Кимгаки бўлмаса ақлу билим ёр, Қўшма уни одам сонига зинҳор.* «Фан ва турмуш»; 2) яхшиланмоқ, тартибга тушмоқ. *Сонсиз хотиннинг уйи сонга кирмас.* Мақол. ▬ *[Ошно:] Бу ерлар ҳам сонга киради, яшилдан либос кияди, боғу бўстонга айланади..* М. М. Дўст, Лолазор. **Сондан чиқмоқ** 1) ҳисобдан, қатордан, одамгарчиликдан чиқмоқ. *-Ҳадеб уйда ўтиравериш ҳам одамни сондан чиқаради, — деди кампир Санамга.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар; 2) яроқсиз ҳолга келмоқ. *Уруш ҳаммани сондан чиқарди.* «Ёшлик».

СОН II **1** Одам ва ҳайвон оёғининг тизза билан тос ўртасидаги қисми. *Сони йўғон одам. Сон суяги. Сув унинг сонигача чиқди.* ▬ *Саид сув тўла чўмични узатаётганда, бир қултум сув отасининг сонига тўкилиб кетди.* «Ёшлик». *Хумор келин Бўрижоннинг қўлидан гаврон таёқни олиб, ҳўкизларининг сағрисига, сонига зарб билан урди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Куйган банда уриб йиғлар сонига, Шаҳид бўлган бўялади қонига.* «Эрали ва Шерали».

2 Ҳайвонлар оёғининг шу қисмидаги гўшти. *Султонов кийикнинг сонини сонга, тўшини тўшга ажратиб саранжомларкан.. ўзига қарашиб турган Ортиққа кўзи тушган сари, кўнгилғашлиги ортиб борарди.* М. Мансуров, Ёмби.

СОНАТА [*итал.* sonata < *лот.* sonare — янграмоқ] Умумий бадиий ғоя билан бирлашган, турли мавзу ва характердаги, ўзаро фарқланувчи (секин, вазмин ёки тез) бир неча (одатда 3—4) қисмдан иборат бўлган, икки ёки бир неча чолғу асбоби учун ёзилган мусиқа асари. *Бетховеннинг тўртинчи сонатаси [тингловчиларда] яхши таассурот қолдирди.* Газетадан.

СОНАТИНА [*итал.* sonatina — сонатача] *мус.* Сонатанинг ўз соддалиги, ижро услубининг оддийлиги билан ажралиб турадиган кичик ҳажмли тури.

СОНЕТ [*итал.* sonetto < *лот.* sonax — жарангдор, баланд, чинқироқ] Белгиланган қатъий қонун-қоидалар (ҳажм, ритм, вазн, қофия) асосида яратиладиган, 14 мисрадан иборат шеърий жанр. *Сонетнинг шеър тури сифатида шаклланишида Ф. Петрарканинг хизматлари катта.* «ЎзМЭ».

СОНИЯ [*а.* ثانيه — иккинчи] *қ.* **секунд 1.** *Шундан бир-икки сония ҳам вақт ўтмади, йўлак оғзида бир кўлага кўринди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати, Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?* А. Орипов, Йиллар армони. *Орага бир сония сукунат чўкди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

СОНЛИ 1 Бирор сон ёки сонлар билан ифодаланган. *Сонли масштаб.*

2 Маълум миқдордаги, маълум миқдорга эга. *Кўп сонли талабалар жамоаси.* ▬ *Мақсадимиз кам сонли халқлар вакиллари маданиятини ривожлантиришга кўмаклашишдир.* Газетадан.

3 Номери бор, номерли. *Бешинчи сонли ўрта мактаб.*

СОН-САЛМОҚ Сон ва салмоқ, миқдор ва оғирликлар мажмуи. *Сон-саноғи йуқ.*

СОН-САНОҚ Сон, миқдор ва унинг саноғи, ҳисоби. *Навбатда турганларнинг сон-саноғи йўқ.* ▬ *Предметнинг сон-саноғини билдирган сўз туркуми сон деб аталади.* «Ўзбек тили» дарслиги.

СОН-САНОҚСИЗ Беҳисоб кўп, сон-саноғи йўқ, беадад. *Ҳаво очиқ, кўкда сон-саноқсиз юлдузлар чарақлаган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Кузги осмонда сон-саноқсиз юлдузлар чарақлаб ётарди.* «Шарқ юлдузи». *Сон-саноқсиз кишилар кетмон билан ер қўпоряпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

СОНСИЗ *айн.* **сон-саноқсиз.** *Сонсиз арилар ва баҳор қўнғизлари гуллар орасида учишиб, ажиб мусиқа тарқатарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кенг йўлларда оқиб келади Шаҳар томон сонсиз оломон.* Э. Раҳим.

СОНСИЗ-САНОҚСИЗ *айн.* **сон-саноқсиз.** *Фарзандларинг бордир сонсиз-саноқсиз. Во ажаб, қадрингни гоҳида билмас.* А. Орипов, Она сайёра.

СОП I Баъзи асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; тутқи, даста, банд. *Теша сопи. Қошиқнинг сопи. Ўғирнинг сопи. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. ▬ *Олтмиш ёшлардаги жиккак чол тешасининг сопини белбоғидан ўтказиб, сўрига келади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. -*Чиқинглар, — Бек атрофга сергак қулоқ тутиб, ҳеч сас эшитмагач, шундай шивирлади ва ханжарининг сопидан янада маҳкамроқ чангаллади.* «Ёшлик». *Бундай тиғли, сопи гулдор пичоқни фақат Хўжанд усталари ясарди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

Кетмоннинг сопини ушламаган Деҳқончилик ишидан хабари йўқ, умрида кетмон билан иш қилмаган; хом. *Ўзингиз айтингчи, ахир, бу елкаси офтоб кўрмаган сояпарварлар, кетмон сопини ушламаган номардлар колхозда нима қилиб беради?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Сопини ўзидан чиқармоқ** Ёнидан маблағ ёки куч сарф қилмай, бошқалар ҳисобига иш битирмоқ. -*Актга қўл қўйилиб, уйингизга етиб олгунча, ҳар қандай ис-писдан холи бўлиб қолади. Сопини ўзидан чиқаряпман-да, — деди Одил Эгамбердига.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

СОП II *кам қўлл. айн.* **соб.** *Ишқ дардида соп бўлмоқ. Ишдан урилиб соп бўлмоқ.* ▬ *Ҳа, бир алами бордир-да.. Ё нос соп бўлдимикин? Хумори тутган бўлса керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОП III *фольк.* Энг зўр, асл. *Ўн минг уйли қўнғирот элининг соп деган бойваччалари.. ўз кайфу сафоси билан ўтириб эди.* «Алпомиш».

СОПЛАМОҚ I Соп ўрнатмоқ, даста қўймоқ, қилмоқ. *Пичоқ(ни) сопламоқ. Болта(ни) сопламоқ.*

СОПЛАМОҚ II *с. т.* Батамом кетказмоқ, соп, тамом қилмоқ. *Бор пулни сопладим.*

СОПЛИ Соп ўрнатилгаи, сопи бор. *Калта сопли кетмон.* ▬ *[Саидқул] Пичоқни қинидан чиқарди. Дандон сопли ўткир тиғ эди, сопига гуллар чекилган, ялтиллаган асл мол.* М. М. Дўст, Лолазор.

СОПОЛ [*ф.* سفال — кулолчилик маҳсулоти; лой идиш] Махсус лойдан ясаб, оловда қиздириб тайёрланадиган маҳсулот. *Сопол товоқ. Сопол қувур. Сопол тувак. Сопол чинни бўлмас, бегона — ини.* Мақол. ▬ *Нусратбек болишга ёнбошлаб, катта сопол товоқдаги сермой чалобдан ичди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бахт мана бу чиройли сопол кўза эмаски, сотиб олиб келсанг-да ёки ота-онанг олиб берса-ю, маҳлиё бўлиб ўтирсанг.* А. Мухтор, Асарлар.

СОПОЛАК [*ф.* سفالک — кичкина сопол] **1** Сопол парчаси.

2 Болаларнинг бир қанча ўйинларида ишлатиладиган ясси сопол ёки тош. *Сополак ташламоқ.* ▬ *Баъзи одамлар қизларига тўп-тош, лапар ўйнашлари учун силлиқ сополаклар ҳам териб кетишади.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

СОППА-СОҒ Ҳеч кандай касали йўқ, бутунлай соғ, соғлом. *Мунозаранинг ўрни эмас. Кўрганингиздек, соппа-соғман.* «Ёшлик».

СОПРАНО [*итал.* soprano < sopra — устида, юқорида] *мус.* **1** Аёллар ёки болаларнинг энг юқори хонандалик овози. *Сопрано бошқа овозлардан «бош» регистр устунлиги билан фарқланади.* «ЎзМЭ».

2 Шундай овозга эга бўлган хонанда аёл.

3 Хордаги баланд овозли партия.

4 Баъзи созларнинг юқори регистрли тури.

СОПҚОН *тар.* Ичига тош солиб отиладиган қадимги содда қурол. *Сағирнинг ҳақи — сопқоннинг ўқи.* Мақол. ▬ *Йигитлар дарахтларда, тоғ унгурларида туриб, сопқон отиб, ёвни шунча думалатиб турсалар ҳам, у газандалар борган сари кўпая берибди.* Ойдин, Олтмиш газ арқон. *Сопқондан қушларга тош отиб юрган..* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

Отилмаган сопқон ҳам бошга тегади, ҳам кетга (*ёки* **қуймучга)** Уддасидан чиқа олмай қилинган иш кишининг ўзига зарар етказади, деган маънода ишлатиладиган мақол. -*«Отилмаган сопқон ҳам бошга, ҳам қуймуч-*

га тегар» деганларидек, қассоб гапни ўзи бошлаб қўйиб, пировардида ер ёрилса, ерга киргудай бўлди,— деди Абдурасул. П. Турсун, Ўқитувчи.

СОР [*ф.* سار — чуғурчуқ] Қарчиғайлар оиласига мансуб йиртқич қуш; сариқсор. *Сорларнинг икки тури Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил китобига киритилган.* «ЎзМЭ». *..Қор бетига чиқса, дарҳол тулкиюю сор қушларга ем бўладиган кўрсичқонлар [кабель] симларни емириб ташлаган экан.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

СОРТ [*фр.* sorte < *лот.* sors, sortis — қуръа; қисм, улуш; хизмат, мансаб; тур, хил, жинс] **1** Молнинг, маҳсулотнинг муайян сифатий белгиларга эга бўлган категорияси, нави; нав. *Биринчи сорт пахта. Учинчи сорт газмол.*

2 *эск. қ.* **нав**. *Пахтанинг янги сортларини етиштирмоқ.* ▬ *Барча маҳсулотнинг 28 фоизи биринчи сортга қабул қилинди.* Газетадан.

СОСТАВ [*р.* состав — бириктирилган нарса; тизим, таркиб] **1** *эск. қ.* **таркиб 1, 2, 3.** *Тилнинг луғат состави. Шишанинг состави.*

2 Жўнашга тайёр қилинган ёки йўлдаги бир-бирига тиркалган вагонлар мажмуи. *Юк вагонлари состави.* ▬ *Эшелон бошлиғининг сигналидан кейин паровоз буғ чиқариб, чўзиқ гудок берди-да, катта.. составни судраб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СОСТАВЛИ *эск. айн.* **таркибли**. *Составли сўзлар.*

СОТИЛМОҚ 1 Сотмоқ фл. мажҳ. н. *Одоб бозорда сотилмас.* Мақол. ▬ *Бир томон чиннифурушлик, бир томонда атторлар растаси. Бир томон эса ҳар хил ширинликлар ва бошқа моллар сотиладиган "гулбозор".* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма нафр.* Ўз виждонини сотиб, қарши томонга ўтмоқ; сотқинлик, хоинлик қилмоқ. *Душманга сотилмоқ.*

СОТИХ [*р.* сотый — юзинчи; юздан бир улуш қисм] Гектарнинг юздан бир қисмига тенг сатҳ ўлчови бирлиги. *Уларнинг йигирма сотих томорқаси бўлиб, унда отаси экиб кетган хил-хил мевали дарахтлар кўп эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Ариқнинг нариги бетида ўн сотихча томорқамиз бор эди.* «Ёшлик».

СОТМОҚ 1 Пулга айирбош қилмоқ, белгили келишилган пул эвазига бермоқ. *Арзон сотмоқ. Қиммат сотмоқ. Пулга сотмоқ. Ўз нархига сотмоқ.* ▬ *-Йўлингдан қолма! — деди у Зулфизарга ўқрайиб. — Сендақаларга сотадиган узумим йўқ!* К. Яшин, Ҳамза.

Сотиб олмоқ 1) пулга алмаштириб олмоқ, харид қилмоқ. *Бизнинг Қаландар бой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) пул бериб, ўз томонига оғдириб олмоқ, оғдирмоқ. *Қамбарали акани сотиб олгани кучингиз етмаса керак. Милтиқ билан бўлмади, энди пул билан рахна солмоқчимисизлар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) *кўчма* ўзига орттирмоқ, дардисар қилмоқ (жанжал, гап ва ш.к.ни). *Ҳар куни аҳвол шу. Қаерда маишат, кўпкари бўлса — шуники. Уриш-жанжалнику, излаб юриб сотиб олади, лаънати.* Н. Фозилов, Оқим.

2 *кўчма нафр.* Сотқинлик, хоинлик қилмоқ. *Дўстини сотмоқ. Ватанни сотган эр бўлмас.* Мақол.

Гап сотмоқ *қ.* **гап** I **1. Сафсата сотмоқ** *қ.* **сафсата 2.**

СОТУВЧИ 1 Сотмоқ фл. сфдш. *Олма сотувчи.*

2 Магазинда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи ходим. *Сотувчилар харидорларга холис хизмат кўрсатиш билан банд.* Газетадан.

СОТУВЧИСИЗ: сотувчисиз магазин Сотувчиси бўлмаган, харидорлар ўзига ўзи хизмат қиладиган магазин.

СОТҚИН *нафр.* Ўз виждонини сотиб, қарши томонга ўтган; сотилган, хоин. *Сотқин одам.* ▬ *Ул нобакор Балх ҳокими сотқин тузиб, исён байроғини баланд кўтарди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Мулла Турсуннинг сотқин ва риёкор эканлиги кўпчиликка маълум бўлди.* «Саодат».

СОТҚИНЛИК Сотқин, хоин бўлиш хусусияти; хоинлик.

СОФ [*а.* صاف — тоза, шаффоф, тиниқ] **1** Беғубор, тоза, мусаффо. *Соф ҳаво. Соф сув.* ▬ *Соф, яшил табиат юракларга куч бағишлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Соф осмонда маъсум боққан, Тўлин ойдир йўлдошим.* Бойчечак. *Уфқларга оташ қалаб, Тонг отади соф, нафис.* Э. Воҳидов.

2 Бошқа нарса аралашмаган; асил, тоза. *Соф олтин. Соф ҳолда учрамайдиган кимёвий элементлар.* ▬ *Бир грамм соф радий*

олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади. «Фан ва турмуш».

3 Ўзга унсурлардан холи; тоза. *У [рус жувон] айвонга қараб келаётган кишини таниб: -Э, Ғуломжон, келинг! — деди соф ўзбек тилида.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Доғ тушмаган, ҳар қандай айб, гуноҳ, нуқсондан холи; тоза, покиза, ҳалол. *Соф виждон. Соф муҳаббат.* ▬ *Назаримда, шу ўй унинг содда, соф юрагига шундай азоб бермоқдаки, бу азоб олдида устида қанот ёзиб турган ўлим ҳам писанд эмасдек туюлар эди.* А. Мухтор, Асарлар. *Гулнор.. соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу бозор аҳлига, бу ердаги софу нософ икир-чикир бандаларга менинг нима дахлим бор?..* А. Мухтор, Асарлар.

Соф фойда Чиқим, харажат ва ш. к. чиқариб юборилгандан кейин қолган пул, даромад.

СОФА [*фр., итал.* sofa — диван < *а.* صفّه — тош супа, ўриндиқ; бостирма, айвон] Пастак, кенг, ёндори суянчиғи билан бир хил баландликда бўлган диван.

СОФДИЛ [*а.* + *ф.* صافدل — кўнгли тоза, самимий] Кўнглида кири, гидири йўқ, дили, қалби пок, соф. *Софдил одам.* ▬ *Софдил, камтар, билимдон дўст учун кўксингни оч, Яхшилардан сўз очиб, энг яхши сўз дуррини соч.* С. Абдулла. *Наврўз баҳорини соғинган ҳар бир софдил инсонга қарата дил сўзларини изҳор этамиз.* Газетадан.

СОФДИЛЛИК Кўнглида кири йўқлик, ҳалоллик; самимийлик. *Сидиқжон, унинг юзида истеҳзоли бир табассум бор гумон қилиб, ер остидан қаради. Бироқ жувоннинг юзида самимият, софдилликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Очиқ чеҳра билан, софдиллик билан, осонгина жуда табиий қилиб айтилган.. гап уни ҳаяжонга солди.* И. Раҳим, Ихлос.

СОФИЗМ [*юн.* sophisma — айёрлик қилиш; алдаш] Расман тўғри, чинга ўхшаб туюладиган, аслида ёлғон тузилган (чиқарилган) хулоса, сохта исбот; маккорлик воситаси. *Софизм соддадил кишилар қалбида ҳақиқатга, адолатга шубҳа уйғотувчи, уларни тўғри йўлдан адаштирувчи маккорлик қуролидир.* «ЎзМЭ».

СОФИР [*а.* سافر — очиқ, очиқ-ойдин; йўлчи, сайёҳ] *эск. айн.* **элчи.**

СОФИСТИКА [*юн.* sophistike — мунозарани айёрлик билан олиб бориш, унинг йўналишини ўзгартириб юбориш маҳорати] *флс.* Мантиқ қонунларини атайин бузиб, ёлғон далилларга асосланган ҳолда муҳокама юритиш.

СОФЛАМОҚ 1 Бегона ёки зарарли нарсалардан тозалаб, соф ҳолга келтирмоқ; покиза, мусаффо қилмоқ. *Ҳавони софламоқ. Сувни софламоқ.*

2 *махс.* Аралашмалардан тозалаб, маълум талаблар даражасига етказмоқ. *Ёғни софламоқ.*

СОФЛИК 1 Тоза, беғубор бўлиш хусусияти. *Сувнинг софлиги. Муҳаббатнинг софлиги. Дилнинг софлиги.* ▬ *Анчадан буён давом этиб келаётган баҳслардан бири она тилимизнинг софлигини сақлаб қолиш ҳақида бораётир.* «Муштум».

2 Ҳар қандай айб, гуноҳ, нуқсондан холилик; поклик, ҳалоллик. *Бойназар ака ҳар соҳада ҳалоллик, софлик бўлишини яхши кўради.* Ш. Шокиров, Бойназарнинг байроғи.

СОХТ [*ф.* ساخت — тайёрлаш, ишлаб чиқиш; иш, амал] Ташқи кўриниш, қиёфа. *Салла, оқ тўнлар кўруб, сохтимни инкор айламанг, Бўлмасам ҳамки асл девона, кал девонаман.* Муқимий. *Ҳамма вақт яхши кўринадиган қоровул шу тобда унинг [Элмуроднинг] назарида жуда сохти совуқ одамга ўхшаб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОХТА [*ф.* ساخته — тайёрланган, ишлаб чиқилган; сунъий, ясама] **1** Қалбакилик мақсадида аслига ўхшатиб ишланган, ясалган; ясама, қалбаки. *Сохта пул. Сохта имзо.* ▬ *Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомид экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Демак, Сиддиқ Шарипов — отангизнинг сохта исми-шарифи.* «Шарқ юлдузи». *У бу ишга пухта ўйлаб киришган. Унинг сохта ҳужжатлари шундан далолат бериб турибди.* «Ёшлик».

2 Етарли асосга эга бўлмаган, асоссиз, пуч. *Сохта даъво. Сохта назария.* ▬ *[Фотима:] Бўлмаган сохта далиллар билан гапирувчи ифлосларнинг сўзига кириб, бу хилда қилиш яхши эмас.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

3 Ёлғондакам, таги пуч, юзаки. *Сохта обрў.*

4 Самимиятсизлик билан шунчаки қилинган, носамимий, юзаки, ясама. *Сохта кулги. Сохта мулойимлик.* ▬ *-Э, сизмидингиз, Шоқосим ака, танимай қолганим учун кечирасиз, — деди [Ҳафиза] жиндек сохта жилмайиб.* Мирмуҳсин, Умид. *Аппон чол унинг сохта, зўраки такаллуфидан ғазабланди.* «Ёшлик». *Меҳмонлар орасида «Марҳабо», талантлар!» телевизион конкурсининг икки қатнашчиси ҳам бўлиб, улар сохта камтарликданми ёки тортинчоқликданми, бир чеккада қимтинибгина ўтиришарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СОХТАГАР [*ф.* ساختەگر] *айн.* **сохтакор.**

СОХТАКОР [*ф.* ساختەكار – сунъий, ясама, қалбаки иш қилувчи] Қалбакилик, алдамчилик билан иш тутувчи; қаллоб. *Энди турмушга кўр кўз билан қарама, қизим. Магазинчи йигитинг сохтакорроқ кўринади, эҳтиёт бўл.* А. Муҳиддин, Куёв қочди.

СОХТАКОРЛИК Қалбакилик, қаллоблик; қинғирлик. *«Автомобилчи».. раҳбари Ч. Абдуназаровнинг иш тажрибасидан шунақанги сохтакорликлар чиқиб қолдики, суд бундай жиноятлар учун фақат жарима солиш жазоси билан чекланганлигига ҳайрон қоласан киши.* Газетадан.

СОХТАЛАШМОҚ 1 Самимийликни йўқотиб, ёлғондакам, сохта, ясама тус олиб бормоқ, юзакилашмоқ. *Сохталашган мулойимлик.*

2 Ҳақиқатдан йироқлашмоқ. *Сохталашган маълумотлар.*

СОХТАЛАШТИРМОҚ Ҳақиқатдан йироқлаштирмоқ, ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ. *Тарихни сохталаштирмоқ.* ▬ *Шундоқ ҳам кўҳликкина қизга пардоз-андоз ҳам ортиқчалик қиларкан. Қайтага ҳуснини сохталаштириб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СОХТАЛАШТИРУВЧИ Ҳақиқатни бузиб кўрсатувчи. *Тарихни сохталаштирувчилар.*

СОХТАЛИК Қалбакилик, юзакилик, ясама эканлик. *Ҳужжатнинг сохталиги.* ▬ *..фақат арoқ ичмаган Отамуродгина бу яқинликнинг сохталигию бу меҳрибончиликларнинг шунчаки, йўлига эканини сезиб, ичичидан ғижиниб ўтирар, нимагадир унинг кўнгли ғаш эди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Сохта иш, хатти-ҳаракат; қаллоблик. *Гоҳо ахлоқ табиатига бегона қилиқлар ҳам учраб қолади. Буларни сохталик ё риёкорлик деб аташ мумкин.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

СОХТ-СУМБАТ Ташқи кўриниш, қиёфа; қад-қомат. *Сохт-сумбати келишган йигит.* ▬ *Афанди, семизнинг сохт-сумбатига қараб туриб: -Ўн беш кундан кейин ўласан, дори ҳайф кетади, — деди.* «Латифалар».

СОЦИАЛ [*лот.* socialis – ижтимоий] Кишилар ҳаётига, уларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатларига оид; ижтимоий. *Социал тараққиёт. Социал тузум. Социал муҳит. Жамиятнинг социал таркиби.* ▬ *Студентлар.. лекцияларнинг мағзини чақиб, социал баҳо берадиган бўлишлари ҳам керак.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Социал таъминот Фуқароларни қариганда, касалланган ва меҳнат қобилиятини йўқотган ҳолларда давлат томонидан моддий жиҳатдан таъминлаш тизими; ижтимоий таъминот.

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТ [социал + демократ] *тар.* Социал-демократия тарафдори; социал-демократлар партиясининг аъзоси (*қ.* **социал-демократия).**

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК *тар.* Социал-демократия ва социал-демократга оид. *Социал-демократик партия. Социал-демократик қарашлар.*

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯ [социал + демократия] Халқаро ишчилар ҳаракатида: 19-аср охирида пайдо бўлган, дастлаб инқилобий кураш йўли билан, кейинчалик демократик методлар, ислоҳотлар йўли билан ижтимоий адолатга, эркинлик ва тенгликка асосланган тузумни ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ғоявийсиёсий оқим.

СОЦИАЛИЗАЦИЯ [*лот.* socialis – ижтимоий] Хусусий мулк ҳисобланган ер, ишлаб чиқариш воситалари ва ш.к. ни жамият мулкига, умум мулкига айлантириш.

СОЦИАЛИЗМ [*фр.* socialisme < *лот.* socialis – ижтимоий] **1** *тар.* Мақсади ва идеали ижтимоий адолатни, эркинлик ва тенгликни амалга оширишдан иборат бўлган, хусусий мулкни ижтимоий (умумий) мулкка айлантириш орқали мазкур принципларга эришиш мумкин, деб ҳисобловчи таълимот. *Социализм ғояси.* ▬ *Социализмда*

инсон хусусий мулкдан тамоман ажратилади. «ЎзМЭ».

2 20-асрда бир қатор давлатларда: жамият ҳаётининг барча соҳаларига давлатнинг аралашувини тақозо этувчи ижтимоий-иқтисодий тузумнинг номи; собиқ СССР да ҳукм сурган тоталитар тузум. [*Шўролар даврида*] *Айрим мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан «капитализмни четлаб, социализмга ўтиш» мумкинлиги тўғрисидаги сохта таълимот ҳам ўйлаб топилди.* «ЎзМЭ».

СОЦИАЛИСТ [*лот.* socialis – ижтимоий] **1** Социализм тарафдори (*қ.* **социализм 1**).

2 Социалистик партия аъзоси.

СОЦИАЛИСТИК 1 Социализмга оид (*қ.* **социализм 2**). *Социалистик система.*

2 Социализм принципларига асосланган, шунга жавоб берадиган. *Социалистик тузум.*

3 Социал-демократияга оид. *Социалистик партия.*

СОЦИОЛИНГВИСТИКА [*лот.* socialis – ижтимоий + лингвистика] Тилнинг ижтимоий табиати, унинг ижтимоий вазифалари, ижтимоий омилларнинг тилга таъсир кўрсатиши ҳамда тилнинг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ўрганувчи илмий-назарий соҳа.

СОЦИОЛОГ Социология билан шуғулланувчи олим, жамиятшунос.

СОЦИОЛОГИК Социологияга оид. *Социологик тадқиқот. Социологик тафаккур.*

СОЦИОЛОГИЯ [*лот.* soci(etas) – жамият + *юн.* logos – фан, таълимот] Жамият ҳақидаги ва айрим ижтимоий тартиботлар, жараёнлар, ижтимоий гуруҳлар, шахс ва жамият муносабатлари, кишиларнинг ўзаро муомала қонуниятлари ҳақидаги фан. [*Ўзбекистонда*] *Социология фанини мустақилликдан сўнггина лозим даражада ривожлантириш имконияти туғилди.* «ЎзМЭ».

СОЧ I **1** Одамнинг бош терисида ўсадиган қил толалар қопламаси ва уларнинг ҳар бири. *Сийрак соч. Қуюқ соч. Бошида битта ҳам соч йўқ. Соч олдирмоқ.* ▬ *Силкиниш орқасида унинг [қизнинг] юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир суратга киргизди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У машинани бир маромда юргизар, кабинага кирган шамол ўримга сўз бермаган соч толаларини елкасидан олиб, бўйнига ташлар, юзларини беозор савалагандай бўларди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Бирор тарзда ўстирилган ва тартибга солинган шундай толалар мажмуи. *Ўртадан фарқ очиб қўйилган соч. Калта қилиб қирқилган соч. Ўрилган соч.* ▬ *У [Кумуш] бу кечаси кўрган баъзи тушларини Отабекнинг бу кун келишига йўйди-да, эрталабдан туриб, сочларини ечди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўн саккиз ёшлардаги, оқ-сариқ, иккита йўғон соч ўрими кифтларига тушган қиз шахдам-шахдам қадам босиб келиб, болаларга қўшилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Чилвир соч 1**)** майда ўрилган соч. *Комендантнинг чилвир соч қизчаси Нусратбекнинг ёнига югуриб келди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди; 2) шундай сочли аёл. *Учиб ўтган қалдирғоч, Ишқимга қилгин илож, Интизордир чилвир соч, Етказгил саломимни.* Ё. Мирзо.

3 *кўчма* Тола, нур сингари нарсалар ҳақида. *Қорли тоғлар орқасидан Атлас сочин тараб қуёш, Гоҳ мўралаб ўйнатар қош, Ханда сочар дудоғидан.* Ғайратий.

=да сочи оқарган Бирор ишда узоқ йиллар ишлаган, умрини шу ишга сарф қилган. *-Биз меҳнатда топдик бахтимиз, Меҳнатда соч оқарса, майли!* Ё. Мирзо. **Сочини ёймоқ** Бошига мусибат тушиб ёки доғда қолиб оҳ-воҳ қилмоқ, мотам тутмоқ. *Сочин ёйиб, кўкрагига муштлайди, Болам, дейди, кўзларини ёшлайди.* «Нурали». **Сочини супурги қилмоқ** Чўрилардек бутун хизматини қилмоқ. **Сочини юлмоқ** (*ёки* **юлиб йиғламоқ)** Дод солмоқ, дод-фарёд қилмоқ. *Бу гапнинг учи чиқарилса, хотинлар сочини юлади, хотинларгина эмас, кўпгина эркаклар ҳам тезда рози бўла қолмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тепа сочи тикка турмоқ** (*ёки* **бўлмоқ**) *қ.* **тепа**.

СОЧ II Чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб кичкина сайроқи қуш; майнанинг бир тури.

СОЧБОҒ Ёши улғайган аёллар сочига осиб юрадиган безакдор танга ва ш. к. юки бўлган, одатда, қора шойидан қилинган боғич. *Сочим узун, сочбоғимни солмийман, Бўйим тенги зар берсангиз, олмийман.* «Қўшиқлар». *Оёғида эски кирза этик, узун сочлари учида сочбоғ..* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

СОЧИЛМА Сочилиб ётадиган, сочилган. *Сочилма қум.*

СОЧИЛМОҚ 1 Сочмоқ фл. мажҳ. н. *Бу йил уруғ барвақт сочилди. Ерга гўнг сочилди.*

2 Сочмоқ 1-5 фл. ўзл. н. *Фикр сочилди.* ▬ *Боғларда гуллар очилган, ҳидлари ҳар ён сочилган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СОЧИЛУВЧАН *физ.* Сочилган; тўкилувчан. *Сочилувчан модда.*

СОЧИЛУВЧАНЛИК Сочилиш хусусияти. *Модданинг сочилувчанлиги.*

СОЧИСУНБУЛ *айн.* **болтириқ**.

СОЧИҚ I **1** Сочиб ташланган, сочилиб ётган. *Олимжон тор кўчадан Борар эди қишлоққа, Кўзи тушди беш, ўн чоғ Йўлда сочиқ ёнғоққа.* Қ. Муҳаммадий.

2 *айн.* **чочиқ** II **2.** *Ой келиннинг бошидан сочиқ сочинг, ёр-ёр.* «Қўшиқлар».

СОЧИҚ II Юз-қўл ёки идиш-товоқ артиш учун ишлатиладиган буюм. *Қўл сочиқ. Қозон сочиқ.* ▬ *[Қудратжон] Жўмракда қўлини ювиаётган адасига уйдан сочиқ олиб чиқди.* Мирмуҳсин, Умид. *Холиса духовкадаги димланган товуқни ағдариб қўйиб, қўлларини сочиққа артди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СОЧМА 1 *қ. х.* Сочиб, сепиб экиладиган; сепма. *Сочма экин. Сочма қилиб экмоқ.*

2 *от* Питра.

Сочма ўқ *айн.* **питра**. *Душман Исмоиловни жуда яқиндан туриб, сочма ўқ билан отган!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Питрали ўқ билан отадиган милтиқ. *Ботирали сочманинг тепкисини босиб, ҳар иккала қирғовулни қулатди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 *эск. айн.* **проза.**

Сочма шеър Лирик кечинмалар сочма нутқ шаклида ифодаланган, жўшқин ритми билан шеърга ўхшаш бўлган насрий асар; насрий шеър.

5 *геол.* Нураган тоғ жинслари, минераллар ва руда бўлаклари қайта тўпланган жой; сочма кон. *..орадан олтмиш тўққиз йил ўтгач, Л.И. Брусницин худди шу ердан биринчи марта сочма олтин топишга муваффақ бўлган эди.* «Фан ва турмуш». *Сочма конлар шағал, қумтош ва қумлар тарқалган жойларда вужудга келади.* «ЎзМЭ».

СОЧМОҚ 1 *айн.* **сепмоқ 1, 2.** *Уруғ сочмоқ. Йўлларга қум сочмоқ. Ҳовлига сув сочмоқ. Арпа сочсанг, арпа ўрасан.* Мақол. *Тер тўкиб сочсанг уруғ, Ер сени қўймас қуруқ.* Мақол.

2 Ҳар ён-ҳар ёнга тарқатиб ташламоқ, паришон қилмоқ. *Бошидан гул сочмоқ.* ▬ *Улардан сал тепада, бархан устида йиртилиб, таги кўчиб кетган бир пой ботинка, ундан нарида оғзи очиқ, бўм-бўш рюкзак ётар, унинг ичидаги нарсалар атрофга сочиб ташланган эди.* М. Мансуров, Ёмби.

3 *кўчма* Тарқатиб юбормоқ, қочирмоқ. *Нормат, унинг хаёлини сочиб юбормаслик учун, ўз ўрнига чўзилди-да, анча вақт ўй суриб, ниҳоят ухлаб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Тарқатмоқ, ёймоқ. *Узунчоқ омборнинг тўрида йигирма бешинчи лампочка хира нур сочади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ёз.. Июнь қуёши кўкдан заррин нур сочади.* «Саодат».

5 Тарамоқ, ёймоқ, тўкмоқ. *Хилма-хил гуллар хушбўй ҳид сочиб, бўстонни яшнатиб турар, шишадек тиниқ сувлар шилдираб оқиб ётар экан.* «Чалпак ёққан кун».

6 Бирор ўлчовда, меъёрда тақсимлаб тарқатмоқ, солмоқ. *Харажатни ҳаммага баравар сочмоқ.* ▬ *Қарорим шундан иборатдирким, эртадан бошлаб юртга ўттиз икки тангадан солиқ сочасиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Заҳрини сочмоқ *қ.* **заҳар 3.** *-Нима дейман? — хотинига заҳрини сочди Малик муаллим. — Бор гапни ўзбекча қилиб тушунтирдим-ку сенга.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

СОЧОҚ I **1** *айн.* **сачоқ.**

2 Сигир, от, эшак думининг учидаги попуги.

СОЧОҚ II *шв. айн.* **сочиқ** II.

СОЧОҚЛИ 1 *айн.* **сачоқли.**

2 Учида попуги бўлган. *Сигир унга жавобан сочоқли думини ҳавода ўйнатган эди, учи шилп этиб Тошхоннинг юзига тегди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

СОЧПОПУК 1 Аёлларнинг сочга тақадиган, қора ип, ипак ёки жундан эшилган, учлари попуксимон безак буюми. *У [Назокат] сочпопугига осилтирган чўлписини жиринглатиб юрар, иккала қошини туташтириб қалин ўсма қўяр, ҳатто устахонада ҳам кўп вақтини ўсма тортиш билан ўтказар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сочпопугим учида Кўзмунчоғи бир шода.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *айн.* **баргак** II **2.** *Қизлар сочида толбаргакдан сочпопук.* С. Аҳмад, Ҳукм.

СОЧТАРОШ *кам қўлл. айн.* **сартарош**.

СОЧҚИ *шв. айн.* **чочиқ** II **2**. *Бир кампир язнамнинг бошидан сочқи сочди.* С. Сиёев,

Саратонда қор ёғди. *Аскар боши узра сочқилар сочилди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

СОЮЗ [*қад. р.* соуз – занжир; алоқа, боғланиш; иттифоқ, бирлашма, уюшма] *эск.* Ижтимоий бирлашма, уюшма; жамоат ташкилоти. *Менинг асаримни юксак мукофотга тавсия этган Ўзбекистон ёзувчилар союзига, Тошкент давлат университетининг филология факультети студентларига, асарга катта баҳо берган ҳамкасбларимга.. чуқур миннатдорчилик билдираман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

СО́Я [*яп.* shoyu] Дуккаклилар оиласига мансуб, ловияга ўхшаш бир йиллик ўсимлик ва унинг озиқ-овқат саноатида кенг қўлланадиган дони. *Соя унидан сут, творог, қандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

СОЯ́ [*ф.* سايه – кўланка; пана жой; ҳимоя, ҳомийлик] **1** Қуёш нури тушмайдиган салқин жой; кўланка. *Сояда дам олмоқ. Ёнғоқ бутун ҳовлини соя қилиб турибди. Сада соя берар, тол хода берар.* Мақол. ▬ *Ортиқ, сувсизлик юрак-бағрини ўртаб, иссиққа чидамай, юлғун тагига сурилади, бошини сояга олиб, қўлларини қумга тиқиб, салқин излайди.* М. Мансуров, Ёмби. *Шунча қилдим тол дарахтни парвариш, Сояси бор, мевасини кўрмадим.* «Қўшиқлар».

2 Ёруғликни, нурни тўсувчи нарсалардан тушган тасвир, кўланка. *Эгрининг сояси ҳам эгри.* Мақол. *Қўрқоқ от ўз соясидан ҳуркар.* Мақол. *Тераҡнинг сояси тагига тушмас.* Мақол. ▬ *Чодирнинг чети кўтарилиб, майкачан бўлиб олган Азизхониннг сояси кўринди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Соя солмоқ (*ёки* **ташламоқ**) 1) соя бермоқ, соя ҳосил қилмоқ, соя қилиб турмоқ. *Шипга осиғлиқ қирқинчи чироқнинг қалпоғи уй деворларининг тепа ёғига чўзиқ соя солган.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У [Азиза] қуюқ соя ташлаган дарахт остига ўтириб, хаёлга толди.* «Ёшлик»; 2) *кўчма* ғашлик солмоқ, хира қилмоқ. *-Кумуш менга тик қаролмас, юзларига хижолат соя солган эди, – деди Камолиддин.* Т. Жалолов, Олтин қафас. **Соя қайтди** Кун ярмидан оғди, кечга қараб кетди. *Кечки пайт, соя қайтганда, Анзират хола унга [Сидиқжонга] даричанинг олдидаги супага жой қилиб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *кўчма* Шарпа, кўланка. *[Қудрат:] Урушнинг шум сояси бу ерга ҳам етибди.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Вазир: -Подшонинг ўзи худонинг сояси, подшо сўзи Қуръон эмасми, лаънати! Қани, халойиқ қаерда, дарров айт! – деди.* «Тоҳир ва Зуҳра». *-Вой, Роҳиланинг ўғли келибдими?! Роҳила шўрлик кутавериб, соя бўлиб қолувди. Бир жойга айтгани бор экан, беармон ўладиган бўлди, – деди энамиз севиниб.* «Ёшлик».

4 *кўчма* Ҳомийлик, панoҳ. *Маъқул, маъқул, бой ота, сояи давлатингиз кам бўлмасин.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Биздан Тўрахўжаевга кўпдан-кўп дуо денг, тақсир! Биз бу ерларда ўша одамларни соя қилиб юрибмиз, – деди Мадамин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Офтобни сояга етказмай (*ёки* **келтирмай)** Бир зум ҳам кечиктирмай, дарҳол. *[Холмат:] Тасаддуғингиз кетай. Дўпписини олиб кел, десангиз, ахир биз жаллод.. кимнинг ажали етса, пойқадамингизда офтобни сояга етказмай, бошини кесиб келтирамиз-да!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Сояда қолдирмоқ** Ўз устунлиги билан кимсани панада, орқада қолдирмоқ. *Йиллар ўтган сари Исломхоннинг таърифи кўп усталарни сояда қолдириб кетди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. **Сояда қолмоқ** Панада қолмоқ, кўзга кўринмай, четда қолиб кетмоқ. *Жўра полвон бригадасига андижонлик полвонларни танлаб олган эди, аммо биронтаси Азизхонга етолмас, унинг соясида қолиб кетарди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Сояси юпқа** 1) нозик, нимжон, заиф; 2) гап кўтара олмайдиган, таъби нозик. *[Гулчеҳра:] Келинпошшанинг сояси жуда юпқа, тил теккизманглар унга.* Ойбек, Улуғ йўл. **Соясига кўрпача солмоқ** (*ёки* **салом бермоқ**) 1) жуда ҳам ҳурмат қилмоқ, ҳурматини жойига келтирмоқ. *-Қўрқдингизми? – дейди Абдужалил тегирмончи ўз даъвосига асос солиб, – қишлоқ халқи бизнинг соямизга салом беради.* А. Қодирий. Обид кетмон; 2) хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилмоқ. *У [Яхшибоев] келди нимаю келмади нима, боғ қилмоқчи бўлса, ана, мендан бошқа мингта боғбон бор, соясига кўрпача соладиган шогирдлари кўп, майли, ўшалар экиб, ўшалар кўкартириб бера қолсин.* М. М. Дўст, Лолазор. **Ўз соясидан қўрқмоқ** (*ёки* **чўчимоқ, ҳадиксирамоқ, ҳуркмоқ)** Ҳар нарсадан қўрқмоқ, жуда ҳам қўрқоқ бўлмоқ. *Қўрқоқ от соясидан ҳуркар.* Мақол. ▬ *Яхши эмас, Фармонқул ака, нега қуёнга ўхшаб ўз*

соянгиздан ҳадиксирайдиган бўлиб қолдингиз? С. Маҳкамов, Шогирд.

СОЯБОН [*ф.* سایه‌بان / سایبان – бостирма, айвон; чодир; шамсия, зонтик] **1** *айн.* **зонтик**. *Шойи соябон. Соябон тутмоқ.* ▬ *Бўронбек чарм шапкали бошини соябон тагига яширди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Нариги хонада дарс тайёрлаб ўтирган неварасига, соябон тутиб, кўчадан тезда адасини чақириб келишни айтди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *с. т.* Шляпа, шапка ва ш. к. нинг соя берувчи қисми. *Шапканинг соябони.* ▬ *Бежиримгина тилла гардишли кўзойнагию сербар похол соябони ўзига бирам ярашган Валентина ҳорғин жилмайди.* М. Мансуров, Ёмби. *Рўпарасида шляпанинг кенг соябони тагидан Хуморхоннинг кўзлари ёниб турарди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Қўлини** (*ёки* **кафтини) соябон қилмоқ** Қўлини (кафтини) пешонасига қўйиб, кўзларини қуёшдан паналамоқ. *Зокир ота қўлини соябон қилиб, шудгорнинг узоқ этагигача чамалаб кўрди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

3 Умуман, қуёш нуридан ёки ёмғирдан сақловчи ҳар қандай қурилма, пана. *Автобус станцияларига соябонлар қурилмоқда.* ▬ *Қуёш тиккага келиб, аёвсиз қиздираётгани учун, ҳар ер-ҳар ерда соябонлар тикилган.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Шундай гаштли кунлардан бирида практикантлар, бошларида соябон, тепа устида давра қурганча, орқаларини офтобга тоблаб, карта ўйнаб ўтиришар.. эди.* М. Мансуров, Ёмби.

4 *кўчма* Паноҳ, ҳомийлик, хайрихоҳлик. *Тоғлар боши хиёбон, Бир худойим соябон.* «Нурали». *Қон йиғлайсиз бу кун онам меҳрибон, Отам экан ҳаммамизга соябон.* «Зулфизар билан Авазхон».

СОЯБОНГУЛЛИЛАР, соябонгулдошлар Соябонга ўхшаш тўпгулли ўсимликлар (зира, кашнич ва ш. к.)

СОЯБОНЛИ Соябони бўлган, соябон тутилган. *Соябонли киши. Соябонли арава. Кафенинг ранг-баранг соябонли столлари.* ▬ *Ичмайдиган, чекмайдиган одам, ранги тоза, руҳи тетик, кенг соябонли шляпасини бошидан олганида, офтоб урмаган манглайига қоп-қора сочлари ёйилиб тушди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

СОЯКИ [*ф.* سایکی] Хўраки ва винобоп узум нави. *Бир бош сояки.*

2 Шу узумдан солинган вино. *Бизда асосан узумнинг саперави, сояки, оқ мускат каби вино сортлари, майизбоп қора кишмиш навлари ўстирилади.* М. Мирзааҳмедов, Гулистонликлар бўстонида.

3 Шу узумдан қуритилган майиз. *Аҳмадхон учун маҳрамлар, Тахсимчага соп келди, Сояки, майда майиз.* «Гулшанбоғ».

СОЯЛИ Сояси кўп, серсоя. *Майдоннинг юқорисидаги тевараги шосупалар, сояли дарахтлар билан ўралган сарҳовуз..* С. Айний, Қуллар.

СОЯЛИ Таркибида соя маҳсулоти бўлган. *Сояли шоколад.*

СОЯПАР *айн.* **сояпарвар.** *[Полвон:] Ўлгудай дангаса, сояпар кишилар. Ишлашмайди, меҳнат кунларидан қирқиб қўйдим.* К. Яшин, Пьесалар.

СОЯПАРВАР [*ф.* سایه‌پرور – сояни яхши кўрувчи; сояда ўстирилган] **1** *бот.* Сояда ўсадиган, сояни яхши кўрадиган. *Сояпарвар ўсимликлар.*

2 *салб.* Ишламай, соя-салқин жойларда ётишни яхши кўрадиган, ишёқмас; ялқов. *Мен кучимни, теримни тўкай, фойдасини сояпарвар бойлар кўрсин. Мен икки қўлимни бурнимга тиқиб қолаверай. Қани инсоф?!* Ойбек, Танланган асарлар. *Сенга ўхшаган сояпарвар, бўйни йўғонлар ўзини салқинга уриб, жўжахўрознинг шўрвасини ичиб ўтирганда, хотинлар терлаб-пишиб кетмон чопган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

СОЯПАРВАРЛИК Дангасалик, ишёқмаслик, енгил яшашга мойиллик. *Дангасаликка, сояпарварликка.. асло йўл қўймаслик керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

СОЯ-САЛҚИН Қуёш нури тушмайдиган, соя ва салқин. *Соя-салқин жой. Соя-салқин хиёбонлар.* ▬ *Қўйлар илгаригидек ўтламайди, ҳовлиқиб соя-салқин жой излайди, дуч келган бута, саксовул остига бош суқиб ётиб олади.* «Ёшлик».

СОЯСИДА *(б. к. билан) кўм. взф.* Туфайли, орқасида, орқали. *Шарофатларингиз соясида кўп кишилар билан танишдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СОЯЧИРОҚ *этн.* Бесоқолларни қизлар қиёфасида кийинтириб, меҳмонхонада бир неча чироқ ёруғида томоша қилиш ёки ўйнатиш одати.

СОҚА I [*а.* ساقه – олиб борувчи, ҳайдаб келувчи, бошқариб борувчи] *шв.* Дарё ёки

анҳорлардан катта ариқларга сув олинадиган жой; ариқ боши. *Элимизнинг оғаси, Адрас тўннинг ёқаси, Ёпимизнинг соқаси Мироб акага бир салом.* «Қўшиқлар». *Амунинг қайсарлиги тутиб, қирғоқларидан нарига кетди, соқаларга сув бермай қўйди.* Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

СОҚА II *шв.* Соққа.

СОҚА III [*а.* ساقه – поя, палак; орқадан борувчи; арьергард] **1** *ҳарб.* Ҳарбий юриш ёки машқлар чоғида асосий кучлар ортидан соқчилик қилиб борувчи махсус қисм.

2 *ҳарб.* Жанг пайтида турли ташқи зарбалардан сақланиш мақсадида тизза ва тирсакларга кийиладиган металл қалқонча.

3 *шв.* Бирор кимсадан ёки бирор ердан тарқаган; авлод, зот. *Аваз ўғлон қирқ йигитнинг оғаси. Ботирларнинг Аваз олтин соқаси.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

СОҚИЙ [*а.* ساقى – май, шароб қуювчи] Май қуювчи; косагул. *Дўстлар, соқий бўлинг бизга бу кеча, Дўст юзидек иссиқ тонг йўқ дунёда!* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Ака Ғафур Ғулом, эрка, шўх ҳамон, Доно шоир учун жом қуй, эй соқий. Шунчалик ардоқлаб турибди замон, Бу умр боқийдир, бу умр боқий.* А. Орипов, Йиллар армони.

СОҚИЙЛИК Май қуйиб беришлик, косагуллик. *Соқийлик қилмоқ.* ▬ *Соқийликни Сафобой ўз қўлига олди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар.

СОҚИЙНОМА [соқий + нома] **1** Шарқ мумтоз адабиётида соқийга мурожаат шаклида ёзилган, шоирнинг кечинмалари ҳам акс этадиган лирик жанр. *Соқийномани мустақил жанр сифатида ишлатиш форс шоири Умид Теҳронийдан бошланган.* «Ўзбек адабиёти».

2 Енгил ва жонли суръатдаги доира усули ва мазкур усулда айтиладиган ашула йўллари номи. *Соқийнома йўллари рақсга жўровоз сифатида ҳам айтилган.* «ЎзМЭ».

СОҚИТ [*а.* ساقط – йиқилган, ағдарилган, тўкилган; нуқсонли, қусурли; бузуқ]: **соқит қилмоқ (***ёки* **этмоқ)** Олиб ташламоқ, холи қилмоқ. *Албатта, унинг [Бобурнинг] фотиҳ, шоҳ ва давлат арбоби сифатида жуда мураккаб ҳаёт кечирганлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.* «Ёшлик». *Шунда азага келганлардан уч-тўрттасини чақириб, уларга васиятни ўқиб бердим-да, гуноҳни бўйнимдан узил-кесил соқит этдим.* М. М. Дўст, Лолазор.

СОҚОВ 1 Тилсиз, гунг, гунгалак. *Туғма соқов. Кар ва соқов.* ▬ *Ўзларини буткул ҳузур-ҳаловатга топширган шиiракайф меҳмонлар тасодифан кириб қолган, кўзларида қўрқув аралаш бесаранжомлик акс этган соқов болага ажабсиниб тикилишди.* «Ёшлик».

Соқов бўлиб қолмоқ 1) бутунлай тилсиз, гунг бўлиб қолмоқ; 2) *кўчма* бирор сабаб билан вақтинча тили ишламай, гапиролмай қолмоқ. *У, бир лаҳза тилига сўз келмай, соқов бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 Баъзи товушларни қийналиб талаффуз қиладиган ёки тутилиб гапирадиган; дудуқ.

СОҚОВЛАНМОҚ Тутилиб гапирмоқ, дудуқланмоқ. *Ҳар сафар учрашганда, янгидан танишгандек, аввал бир қизаришиб олиб, кейин гап тополмай соқовланиб, тутилиб гап бошлашарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Кўкрагини баланд тутди-да, яктак чўнтагидан носини олиб, бир чимдимини тил тагига ташлади. Бир оз соқовланиб сўзлади.* Ойдин, Ширинга мактуб.

СОҚОВЛИК *тиб.* Туғма ёки илк болалик даврида рўй берган карлик оқибатида келиб чиқадиган нуқсон; гунглик, тилсизлик. *Эшитиш қобилияти сақланиб қолганда эса соқовликка нутқ маркази ёки марказий нерв системасининг зарарланиши сабаб бўлади.* «ЎзМЭ». *Севаргул ниҳоят соқовлик азобидан қутулиб, бурро-бурро гапириб юборганиданми.. хийла хушҳол эди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

СОҚОЛ 1 Иякни қоплаб ўсадиган қилтуклар. *Қора соқол. Қуюқ оппоқ соқол. Соқол олдирмоқ.* ▬ *Йигитнинг кўрки – соқол, Бозорнинг кўрки – баққол.* «Қанотли сўзлар». *Эллик йил уста бобо деб ном чиқарган отасининг соқолидан, обрўсидан айрилиб, эшакка тескари миниб кетаётганини тасаввур қилди.* С. Сиёев, Аваз.

Чўққи соқол *қ.* **чўққи.** -*Мен дегрезликман, – деди узун пешмат, мошранг духоба дўппи кийган бу чўққи соқол киши.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

2 *кўчма* Баъзи ўсимликларнинг сочсимон попуги. *Маккажўхорининг соқоли.*

=да соқоли оқарган *айн.* **=да сочи оқарган** *қ.* **соч** I.

СОҚОЛЛИ Соқоли бор, соқол қўйган. *Соқолли киши.* ▬ *Баширжоннинг кўзига яна*

Ислом отанинг нафрат ва ҳазардан қийшайиб кетган соқолли қиёфаси кўриниб кетди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СОҚОЛТАРОҚ Соқол тарайдиган кичкина тароқ.

СОҚЧИ 1 Муайян жойни, ҳудудни муҳофаза қилувчи куролланган қўриқчи, посбон. *Чегара соқчилари.* ▬ *Чегарада тиканли симлар, милтиқли соқчилар — қуш учиб ўтиши мушкул.* Газетадан. *Шаҳар атрофини ўраб олган пахса деворлар устида соқчиларгина у ёқдан бу ёққа юриб турар.. эди.* Ойдин, Ҳикоялар.

2 Қўриқчи, қаровчи, қоровул. *Сурув ўз соқчиларига тўла ишонч билан пиш-пиш мудрамоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

Соқчи кема Соқчилик хизмати учун белгиланган ҳарбий кема.

3 Бирор кимсанинг хавфсизлигини сақлаш учун белгиланган шахс, шахсий қўриқчи. *[Сардор:] Ўз еримда жонимни ҳовучлаб, соқчи билан юраманми энди*? «Шарқ юлдузи». *Қўлга тушмоқдан қўрқадиган ташмачидай, мени ўзига соқчи қилиб олармиди?* М. М. Дўст, Лолазор.

4 Муҳофаза, ҳимоя қилувчи, қўриқловчи, сақловчи, посбон. *Тинчлик соқчилари.*

СОҚЧИЛИК Қўриқчилик, посбонлик, қоровуллик. *Назирқул бундай яширин суҳбатларга кўп марта соқчилик қилган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

СОҚҚА 1 Зўлдир, шар.

Сайлов соққаси *тар.* 1917 йилгача: сайлов қутисига ташланадиган, розилик ёки қаршиликни ифодаловчи оқ ёки қора шарча. *Бу мингбошиликнинг ҳар бир соққаси бир камбағалнинг бир ойлик пулига тушган-а!* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Чўт донаси.

3 Болалар ўйинларида: тикилган ганакни уриш учун белгиланган ошиқ, ёнғоқ ва ш. к. *Тоирларникига келиб, қўллари, тирноқларининг ораси кўкариб кетгунича хом ёнғоқ арчишиб, соққа ўйнашди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Жаҳонгирхон кўчада Соққа ўйнаб юрибди.* «Нурали».

Кўз соққаси *анат.* Кўзнинг шарсимон юмалоқ қисми. *Кўзларини шундай олайтирдики, кўз соққалари ўқдай отилиб кетадиганга ўхшади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОҒ I Касали йўқ, сиҳат-саломатлиги яхши; соғлом. *Соғ тиш. Соғ юрай десанг, озода бўл! Соғ танда соғлом ақл.* Мақол. ▬ *Соғ бориб, саломат келгин, Авазжон, Боргин, болам, сени ҳаққа топширдим.* «Маликаи айёр». *Ёшсан, соғсан, ишла, ўйна, улфат қур, ҳар бир шўхлик йигитликда ярашади, болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

СОҒ II *шв.* Ўнг. *О, бу гўзал йўллар, ажойиб йўллар, Гул билан қопланган соғу сўллари.* Уйғун, Тонг қўшиғи. *Баҳайбат калтаги душман қўлинда, Жонкуяри йўқдир соғу сўлимда.* «Гулшанбоғ».

СОҒАЙМОҚ Дарди, касали ариб, яхши бўлмоқ, шифо топмоқ, сиҳатланмоқ. *Уч ҳафта ўтгач, қизча касалхонадан соғайиб чиқди.* «Фан ва турмуш». *Агар унинг ота-онаси оғир-вазминлик билан менинг соғайишимни кутишганда эди, оиламиз бузилиб кетмасди, ўғлим етим қолмасди.* Газетадан.

СОҒАР [*ф.* ساغر — май ичиладиган пиёла; қадаҳ] *эск.* Шароб қуйиб ичиладиган идиш. *Маю майхонаю соқию мутрибни ҳавас қилдим, Менинг-чун ҳар сўзи мутрибу соқию соғар хат.* Ҳабибий.

СОҒДИРМОҚ 1 Соғмоқ фл. орт. н. *Бойсари: -Қизимга Кўккамиш қўлида қўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, қўй соғмоққа уста бўлсин, — деди.* «Алпомиш».

2 Соғиб олиш пайтида жим турмоқ. *Бегона одамларга сира соғдирмайдиган сигир.*

СОҒИМ 1 Бир галги сут соғиш, бир гал соғиб олинган сут. *Соғимни оширмоқ. Соғим даври.*

2 *айн.* **соғин.** *Туркистон халқлари бўлса оқ подшо учун соғим сигирнинг ўзи бўлиб қолганди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

СОҒИМЛИ Соғиш учун қулай, соғишли. *Эмчаклари соғимли сигир.*

СОҒИМСИЗ Соғиш учун ноқулай. *Эмчаклари соғимсиз сигир.*

СОҒИН Сут берадиган, соғиладиган.

Соғин сигир 1) сут берадиган, соғиладиган сигир. *Эгамберди, менда бир соғин сигир бор, шуни ола кетинг, ўзингизга..* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса; 2) *кўчма* текин даромад манбаи. *-Хўжаназарнинг ўзи колхоздан чиқдими? — деб сўради хотини эридан. -Йўқ, уни колхоздан қувмасалар, ўз ихтиёри билан чиқмайди, чунки ҳозирча колхоз у учун бир соғин сигир.* С. Айний, Қуллар.

СОҒИНМОҚ 1 Айриликдаги яқин кишисини жуда кўргиси келмоқ; қўмсамоқ; соғинч ҳиссини сезмоқ. *Эй дилрабо, ишқинг*

била девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тункечалар гирёна бўлдим соғиниб. Ҳамза. *Эрини соғиниб юрган Холисанинг юраги негадир бирдан орзиқиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Биламан, чарчагансизлар, болачақаларни соғингансизлар.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Умуман, қўмсамоқ, хумор қилмоқ. *Капалак гулни соғинар, булбул – куйни.* Мақол. ▬ *Биз бари бир баҳорни ҳар гал соғиниб кутиб оламиз.* «Саодат». *Қарши бобо ҳар қанча ҳурматга арзийди. Агар бирон кун уйда қамалиб ётса, далани соғиниб қолади.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ғуломқорининг ашуласини жуда соғиниб қолдик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Калтакни соғиндингми? Калтак егинг келяптими?

3 Раво кўрмоқ, истамоқ. *Қўшнингга ёмонлик соғинма.* Мақол. ▬ [*Ҳасанали:*] *Энди сиздан шуни ҳам сўрайин: хўжасига содиқ бир қул, сизнинг таъбирингизча, маънавий бир падар, ўз ўғлига ёмонлик соғинарми, бу тўғрида жавоб берингиз-чи?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СОҒИНЧ Соғиниш ҳис-туйғуси. *Ҳафиза онаси бағрида кўзига андак ёш олди, бу – соғинч ёшлари эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ўтган кунларимга боқиб мунтазир, Соғинчдан ёнади ёнган бу жоним.* А. Орипов, Йиллар армони. *Гулхайри пинҳона учрашувларга кучли эҳтирос, орзиқиш, ҳаяжон, соғинч билан келарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СОҒИНЧЛИ Соғинч билан тўлиб-тошган, соғинч ифодаловчи. *Соғинчли салом.* ▬ *Хат ёзаман, ўнг қўлимда қаламим, Ёрга етгай бу соғинчли саломим.* Газетадан. *Сизлардан соғинчли салом битилган мактублар олганимиз тақдирда, бошимиз кўкка кўтариларди.* Газетадан. *Соғинчли бир оҳанг денгизни бўйлар, Мовий сатҳ айланар ойдин қўшиққа.* А. Шер, Қадимги куй.

СОҒЛИК, соғлиқ Соғ-саломат бўлишлик, саломатлик, соғломлик. *Соғлигим – бойлигим.* Мақол. *Тани соғлик – туман бойлик.* Мақол. ▬ *Тенг миқдорда сабзи, қизилча, бодринг шарбатларидан коктейль қилиниб, овқатдан олдин ичилса, соғлик ва кайфият яхши бўлади.* «Фан ва турмуш». *Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат ва ундан сўнг уйқу тадбиридир.* «Саодат».

СОҒЛОМ 1 Дард-касалдан холи; соғ. *Соғлом одам.* ▬ *Зеро, она бўлиш бахти фарзандларни соғлом ва баркамол тарбиялашдек машаққатли меҳнат билан чамбарчас боғлиқ.* «Саодат». *Соғлом бўлиб доимо, Ёнгинамда юргин сен.* «Қўшиқлар».

2 Соғлиқни сақлаш талабларига тўла жавоб берадиган; беғубор, тоза, соф. *Соғлом турмуш шароитлари.*

3 *кўчма* Зарарли таъсирдан, салбий хислат, иллат ва ш.к. дан холи; тоза, пок. *Соғлом оила. Соғлом ижтимоий муҳит.* ▬ *Мазкур йиғилишда мутахассислар бугунги иссиқ иқлим шароитида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва кийиниш, шунингдек, сайёҳлик масалаларига алоҳида урғу бердилар.* Газетадан.

4 *кўчма* Руҳий жиҳатдан шикаст етмаган; расо. *Соғ танда – соғлом ақл.* Мақол. ▬ *Соғлом ақл китобсиз яшай олмайди.* Газетадан.

5 *кўчма* Ғоявий-мафкуравий, маънавий жиҳатдан тоза, пок. *Соғлом фикр.* ▬ *Жумҳуриятдаги соғлом маънавий-руҳий вазиятни таъминлаш борасида зўр масъулият юклатилганини англаб турибмиз.* Газетадан.

СОҒЛОМЛАНМОҚ Зарарли таъсир, салбий хислат, иллат ва ш. к. дан қутулмоқ; мафкуравий, маънавий жиҳатдан тоза, пок, соғлом бўлмоқ; соғломлашмоқ. *Идора аппарати соғломланди.*

СОҒЛОМЛАШМОҚ 1 Дард-касали ариб, яхши бўлмоқ, соғаймоқ, тузалмоқ.

2 *айн.* **соғломланмоқ**. *Халқаро муносабатлар соғломлашиб бормоқда.*

СОҒЛОМЛИК Соғлик, саломатлик, касал эмаслик. *Ақлнинг соғломлиги. Фикрнинг соғломлиги.* ▬ *Тишченко деган аёл унинг [Малоҳатнинг] соғломлигига, кучига, абжирлигига, айниқса, зеҳнига қойил бўлиб юрар экан.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

СОҒМОҚ Эмчакни ийдириб, унинг учларини чўзиб ёки машина ёрдамида сутни чиқариб олмоқ. *Сигирни соғмоқ. Шақ-шақ этган келинни сигир соққанида кўр.* Мақол. ▬ *Шу билан бирга қорамолларга йил бўйи ширали кўк масса бериб туриш ҳам соғиб олинаётган сут миқдорини кўпайтиришга хизмат қилади.* Газетадан.

Соғиб ичмоқ Бировнинг бутун топган-тутганидан, куч-қувватидан ўзиникидай фойдаланмоқ. *Амалдор идорани сигирдай соғиб ичарди.* Газетадан.

СОҒОНА [*ф.* سغانه] **1** Қабр устига қурилган ёдгорлик; мақбара. *Қаерга борасиз, Қулбобо, сиз бизнинг бобомизсиз.. ажалингиз етса, отамнинг гўри ёнига сиз учун катта бир соғона ясаб, сизни элтиб кўмамиз.* С. Айний, Қуллар.

2 Мозор, гўр, қабр. *Асқар ота бориб, соғонанинг бош томонига чўкка тушди ва баланд овоз билан қуръон ўқиди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

СОҒ-САЛОМАТ *айн.* **сиҳат-саломат.** *Туз-насиба тортса, қайтиб келармиз, Соғ-саломат келиб, сизни кўрармиз.* «Маликаи айёр». *Улар соғ-саломат манзилларига етишди.* «Ёшлик».

СОҒУВЧИ 1 Соғмоқ фл. сфдш.

2 Фермаларда молларни соғувчи ходим. *Илғор соғувчилар.* ▬ *«Барлос» фермаси кони хазина-да. Кўпчилик ўзини шу ерга уради. Шунинг учун соғувчини ҳам, молбоқарни ҳам танлаб олишади.* «Ёшлик».

СОҲА [*а.* ساحه – очиқ кенг жой; ҳовли; майдон] **1** Инсон фаолияти, илм-фан, маданият ва ш. к. нинг ҳар бир тармоғи. *Фан соҳалари. Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳалари.* ▬ *Геоботаника номи билан юритилувчи соҳа ер қаърининг сир-асроридан кишиларни воқиф этиб туради.* Газетадан. *Ноқобил кадр, қайси соҳада бўлмасин, ривожланиш олдидаги бир тўсиқ.* «Саодат». *Этнонимика соҳасининг ҳозирга қадар ҳал этилмаган ва мунозарали масалалари бор.* «ЎТА».

2 *кам қўлл.* Майдон, ер. *Ойнинг тўла тутилиш соҳаси (астр.).* ▬ *Сарв ёғочлари билан банд катта соҳа.* Ойбек, Навоий.

СОҲИБ [*а.* صاحب – ҳамроҳ; дўст, ўртоқ; эга, хўжайин] **1** Эгалик қилувчи; эга. *Уй соҳиби.* ▬ *Орол денгизининг жанубидаги шу бепоён чўлларнинг соҳиби бўлган кўчманчи массагетлар келин кутмоқда.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Қувурларни алмаштириб олишдан хонадон соҳиблари воз кечдилар.* Газетадан.

Соҳиби давлат Давлат эгаси, бадавлат, давлатманд. **Соҳиби тож** Тож эгаси, тождор (шоҳлар, подшоҳлар ҳақида).

2 Бирор илм-ҳунар ёки хислат, фазилатни эгаллаган. [*Қози:*] *Яна ўзингиз соҳиби ақлсиз.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Шу тарзда бу серқирра фаолият соҳибининг мероси шеърлар, достон ва манзумалар, ҳикоя ва повестлар, очерк ва публицистик асарлардан иборатдир.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

Соҳиб(и) каромат Каромат қилувчи, кароматли; мўъжизакор. *Одамлар Султон девонани «оташнафас вали» деб мақташар эди. Ўша нодон, алданган кишиларнинг мақтаб.. юрган соҳиби каромати, бир алжиллаб ўтирган банги экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Қалам соҳиби** *ёки* **соҳиб қалам** Қалам тебратувчи; ёзувчи. *Сени яхши танийман-ку! Сен – соҳиб қалам, сен – шоирсан.* А. Орипов.

3 Соҳиб (эркаклар исми).

СОҲИБА [*а.* صاحبه – дугона; эга] **1** Эгалик қилувчи аёл, соҳиб аёл. *Уй соҳибаси. Хуш овоз соҳибаси.*

2 Соҳиба (хотин-қизлар исми).

СОҲИБЖАМОЛ [*а.* صاحبجمال – ҳусн, чирой эгаси] **1** Гўзал ҳусн-жамол эгаси; хушрўй, барно, зебо. *Соҳибжамол аёл.* ▬ *Хотинининг юзига тик қарашга чоғланди-ю, аммо қани энди у малак, у баргикарам кўйлакли соҳибжамол кўз олдидан кетса.* М. Мансуров, Ёмби. *Рўмолини лабга босиб Соҳибжамол кулади..* «Ёшлик».

2 Соҳибжамол (хотин-қизлар исми)

СОҲИБИ [*а.* + *ф.* صاحبی] Ўрта Осиёда халқ селекциясида яратилган узум нави. *Оқ кишмиш, қора, оқ чиллаки, чарос ва баён ширин, соҳиби ҳамда каттақўрғони каби ранг-баранг шиғил-шиғил бошлар кўзларни қамаштиргудек серҳосил.* Н. Сафаров, Оловли излар.

СОҲИБКОР [*а.* + *ф.* صاحبکار – ишбилармон, иш берувчи, ёлловчи] **1** Ўз ишининг устаси; омилкор. *Соҳибкор боғбон.* ▬ *Дилбар Фарғонадан соҳибкор халқим Ҳар йили узатар тонналаб мева.* А. Орипов, Йиллар армони. *Пахтакору чорвадор, пиллакору ғаллакор, боғбону соҳибкор – ҳаммасининг юзи ёруғ.* «Саодат».

2 Корхона эгаси; ишбилармон.

СОҲИБКОРЛИК Боғбонлик, узум, мева етиштириш билан шуғулланиш. *Ишкомда туғилиб, чайлада катта бўлган бу истарали йигит соҳибкорликни ўн беш ёшидаёқ эгаллаб, санъат даражасига кўтарган эди.* А. Мухтор, Чинор.

СОҲИБҚИРОН [*а.* صاحبقران – қирон эгаси] **1** Астрология ва афсоналарда: Зуҳра ва Муштарий ёки Зуҳра ва Қуёшнинг эклиптика даврининг маълум бир даражасида

тўқнаш келиш вақти (қирон)да туғилган бола (бундай боланинг бахтли, ғолиб, музаффар ва улуғ мартабали бўлиши башорат қилинган). *Ёвни яксон этинг, соҳибқиронлар, Мангу омонликда ўтсин наслимиз!* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

2 Шарқ мамлакатларида: қудратли ҳукмдор, жаҳонгир унвони.

3 Амир Темурнинг шарафли унвони. *Соҳибқирон бобомиз Самарқандда гўзал боғлар бунёд этган.* Газетадан.

СОҲИЛ [*а.* ساحل – қирғоқ, сув ҳавзасининг чети, лаби] **1** Сув ҳавзаларининг чети; бўй, қирғоқ. *Чакалакзордан бир ҳакка «шақ-шақ»лаб, узун думини чўзганча, нариги соҳилга учиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Дарё соҳилидаги табиий яшил майсазорлар, чакалакзорлар атроф муҳитга катта ижобий таъсир кўрсатади.* «Фан ва турмуш».

2 Сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ерлар. *Кумуш рангли булутлар Сув олади Оролдан. Лолазорга айланар Соҳил эрта баҳордан.* З. Диёр.

СОҲИР [*а.* ساحر – сеҳрли, афсонавий; сеҳргар, жодугар] Сеҳрли, фусункор. *Соҳир кўзлар.* ▬ *Тоғ қизларин ибо, назокатлари Кузнинг рухсорида бўлади зоҳир, Унсиз латофатдир марҳаматлари, Гоҳ улар ҳикматли, гоҳида соҳир.* А. Суюн, Замин тақдири. *Қизликнинг энг маъсум, соҳир туйғулари Абдулмўминга бахшида бўлмаганмиди?* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

СПАЗМ, спазма [*фр.* spasme < *юн.* spasmos – тиришиш, томир тортишиш] Мускулларнинг беихтиёр таранглашиши, тортишиши. *Скелет мускуллари спазмида ҳаракат қилиш қийинлашади, силлиқ мускуллар спазмида турли аъзолар функцияси бузилади.* «ЎзМЭ».

СПАРТАКИАДА [*лот.* Spartacus (Спартак) – қадимги Римда милоддан аввалги 73–71-йилларда кўтарилган қуллар қўзғолонининг раҳбари + (олимп)иада] Спортнинг бир неча тури бўйича анъанавий оммавий мусобақалар (20-асрнинг 20-йилларидан бошланган). *Умумий якунда ғолиб чиққан ўқувчилар шаҳар спартакиадасида туман терма командаси шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритишади.* Газетадан.

СПЕКТАКЛЬ [*фр.* spectacle < *лот.* spectaculum – томоша] Саҳнага қўйилган драматик асар, театр томошаси. *Кечада А. Қаҳҳор номидаги Сатира театрининг артистлари спектакллардан парчалар ва миниатюралар ижро этишади.* Газетадан. *Болалар ва ёшлар театрлари спектакллари ўсиб келаётган ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашга даъват этилгандир.* Газетадан.

СПЕКТР [*лот.* spectrum – тасаввур; кўзга кўринадиган, кўриб бўладиган нарса, тасвир] **1** Муайян система ёки жараённи тавсифловчи бирон-бир катталикнинг барча қийматлари йиғиндиси. *Оптик спектр. Акустик спектр.*

2 Мураккаб нурнинг шиша призма ва ш. к. синдирувчи муҳит орқали ўтганида ҳосил бўладиган ранг-баранг чизиқлар мажмуи. *Қуёш спектри. Спектрнинг барча ранглари.* ▬ *Ҳисоблашнинг стандарт усуллари спектрдаги турли компонентларнинг характеристикаларини бир-биридан фарқ қила оладиган юқори малакали ходимларни талаб қилади.* «Фан ва турмуш».

СПЕКТРАЛ Спектрга оид.

Спектрал таҳлил Моддаларнинг спектр чизиқларига қараб уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш усули.

СПЕКУЛЯНТ *эск.* Спекуляция билан шуғулланувчи одам; олибсотар, чайқовчи.

СПЕКУЛЯЦИЯ [*лот.* speculatio – кузатиб, изма-из бориб, диққат билан қараб топиш] **1** Фойда олиш, бойиш мақсадида камёб нарсаларни сотиб олиб, уларни қиммат нархда пуллаш, сотиш; чайқовчилик.

2 Қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация ва ш. к.) ни сотиб олиш ва қайта сотиш ўртасида юзага келадиган фарқдан фойда олиш мақсадида уларнинг олди-сотдиси билан шуғулланиш.

СПЕРМА [*юн.* sperma – уруғ; пушт] *айн.* **маний**.

СПЕРМАТОЗОИД [сперма + *юн.* zoon – тирик организм + eidos – кўриниш] *физиол.* Одам, ҳайвон ва кўпчилик ўсимликларнинг эркаклик жинсий ҳужайраси. *Муҳит температураси, босими, кислоталилигининг ўзгариб туриши сперматозоид функциясининг бузилиши ва тезда ҳалок бўлишига олиб келади.* «ЎзМЭ».

СПЕЦИФИК [*лот.* specificus – турни, жинсни белгиловчи, турга оид] Бирор кимса ёки нарсанинг ўзига хослигини кўрсатувчи, фақат бир киши ёки нарса-ҳодисанинг ўзи учунгина характерли бўлган. *Модданинг*

специфик хусусиятлари. Ўрмоннинг специфик шароити.

СПЕЦИФИКА [*лот.* specificus – турни, жинсни белгиловчи, турга оид] Бирор нарса, ҳодиса учунгина хос, характерли хусусиятлар мажмуи. *Ўрта Осиёда ирригация қурилишларининг спецификаси. Пахтачиликнинг спецификаси. Тошкентда метро қурилишининг спецификаси.*

СПЕЦИФИКАЦИЯ [*лот.* specificatio < species – тур, жинс + facere – қилмоқ, бажармоқ] Машина, асбоб-ускуна, қурилма ва ш.к. нинг батафсил тавсифи акс эттирилган жадвал шаклидаги техникавий ҳужжат.

СПИДВЕЙ [*ингл.* speed – тезлик + way - йўл] *спрт.* Трекда ёки яхмалак йўлакда ўтказиладиган мотоцикл пойгаси.

СПИДОМЕТР [*ингл.* speed – тезлик + метр] Автомобиль, мотоцикль ҳаракат тезлигини ва қанча йўл босиб ўтилганини кўрсатувчи асбоб. *Суҳбат чоғида унинг [шофёрнинг] варақаси тўла тўлдирилмаганлиги, автомобиль спидометри ишламаслиги ва техник камчиликлари борлиги аниқланди.* Газетадан.

СПИКЕР [*ингл.* speaker – сўзловчи, нотиқ] **1** Буюк Британияда умум палатасининг раиси.

2 Бир қатор мамлакатлар парламентларида парламент раиси ёки палата раиси.

СПИРАЛ *сфт.* Спираль шаклидаги, спиралсимон. *Спирал зинапоя.*

Спирал галактикалар Ташқи кўриниши спирални эслатувчи гигант юлдуз системалари. *Спирал галактикалар кўпинча бир томонга ўралган икки шохобчадан иборат бўлади.* «ЎзМЭ».

СПИРАЛСИМОН Спираль шаклидаги; спирал.

СПИРАЛЬ [*лот.* spiralis < spira – бурилган, эгилган жой; эгик, букик; ўрам] **1** Муайян нуқта атрофида кўп марта ўралиб, унга борган сари яқинлашадиган ёки ундан узоқлашадиган ясси эгри чизиқ. *Спираль хоссаларидан фан ва техниканинг турли соҳаларида фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

2 Винт шаклидаги узлуксиз бурама сим. *Электр плита спирали.*

СПИРТ [*ингл.* spirit < *лот.* spiritus – нафас, дам; жон, руҳ] **1** Серкрахмал, ширали маҳсулотлардан (буғдой, картошка ва ш. к. дан) ҳайдаш йўли билан ҳосил қилинадиган, алкоголга бой, ўткир таъмли, туссиз, ёнувчи суюқлик. *Вино спирти.*

2 *ким.* Таркибида водород атоми билан кислород атоми бирикмаси бўлган бир гуруҳ органик моддалар номи. *Ёғоч спирти.*

СПИРТЛАМОҚ 1 Спирт сингдирмоқ, спиртга тўйинтирмоқ.

2 Янги солинган узум виносига унинг қувватини ошириш ва ширасини сақлаш учун спирт қўшмоқ.

СПИРТЛИ 1 Ичида спирти бўлган, спирти бор. *Спиртли идиш.*

2 Спирт қўшилган, таркибида спирт бўлган. *Спиртли ичимликни узлуксиз истеъмол қилиш туфайли киши руҳияти бузилади, қулоқ аслида бўлмаган товушларни эшитади, кўз йўқ нарсаларни кўради.* Газетадан.

СПИРТОВКА [«спирт» с. дан] Спирт билан ёнадиган горелкали мослама.

СПИРТСИЗ Спирт солинмаган, спирт қўшилмаган, таркибида спирти бўлмаган. *Спиртсиз ичимликлар.*

СПОНСОР [*ингл.* sponsor < лот. spondeo – кафил бўламан, кафолат бераман] *қ.* **ҳомий.**

СПОРА [*юн.* spora – сочиш; экиш; уруғ] *биол.* Ўсимлик организми, замбуруғлар ва баъзи содда жониворларнинг кўпайиш ва яшаш учун хизмат қилувчи бошланғич уруғи, муртаги. *Йўсин споралари.*

СПОРАЛИ Споралар орқали кўпаядиган. *Спорали ўсимликлар.*

СПОРТ [*ингл.* sport < disport – ўйин, эрмак; ўйин-кулги] Соғлиқни мустаҳкамлашга ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ўсишга қаратилган бадантарбия машқлари, шулар бўйича мусобақалар, кураш, туризм ва ш. к. мажмуи; жисмоний маданиятнинг таркибий қисми. *Спорт зали. Спорт гимнастикаси. Спорт ўйинлари. Спорт билан шуғулланмоқ.* ▬ *Умиднинг бокс спорти ҳақида баъзан узоқ гапириб, Ҳафизани зериктирган вақтлари ҳам бўлган эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қолаверса, болаларимиз от спорти билан шуғулланса, соғлом, бақувват бўлиб, юртимизга посбон бўлади.* Газетадан.

СПОРТСМЕН [*ингл.* sportsmen] *айн.* **спортчи.**

СПОРТЧИ Спортнинг бир ёки бир неча тури билан мунтазам суратда шуғулланувчи киши. *Ҳозирги юксак тараққиёт*

даврида маҳоратли спортчилар кўрсаткичи ҳам мунтазам ўзгаряпти. «Фан ва турмуш». *Мева ва сабзавот шарбати эса спортчилар ҳамда жисмоний меҳнат аҳлларига айниқса фойдали.* «Фан ва турмуш».

СПРАВКА [*р.* справиться – «бирор киши ёки нарса ҳақида суриштириб маълумот тўпламоқ» фл. дан ясалган от] *эск. айн.* **маълумотнома 1-2**. *Соғлиғи ҳақидаги справка. Иш жойидан справка олмоқ.* ▬ *[Набигул:] Фарғонада бир бойга хизматкор бўлганман. Борсам. справка топа оламан, аммо бормайман, ўртоқжон.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

СПРАВОЧНИК [*р.* «справка» с. дан] *эск. айн.* **маълумотнома 3**. *Амалий врачлар учун справочник. Математикадан справочник.* ▬ *Кутубхонадаги справочник материалларга кўз югуртирдим.* Газетадан.

СПРИНТ [*ингл.* sprint – қисқа масофага югуриш] *спрт.* Қисқа масофага югуриш, сузиш ва ш. к. бўйича ўтказиладиган мусобақа.

СПРИНТЕР [*ингл.* sprinter] *спрт.* Қисқа масофадаги мусобақаларга ихтисослашган спортчи (енгил атлетика, сузиш, конькида югуриш, велопойга каби спорт турларида).

СТАБИЛ [*лот.* stabilis – турғун, доимий] Мустаҳкам, ўзгармайдиган, барқарор, турғун. *Стабил баҳо. Стабил кучланиш (эл.).* ▬ *Стабил ва мўл ҳосил олиб туриш – стабил ва пул даромадлар олиб туриш демакдир.* Газетадан.

СТАБИЛИЗАТОР [*лот.* stabilis – турғун, барқарор] **1** *тех.* Самолётнинг бўйлама турғунлиги ва бошқарилувчанлигини таъминлайдиган қуйруқ қанотининг қўзғалмас қисми.

2 Бирор жараённи, мас., электр токи ёки кучланишини автоматик тарзда бир текис тутиб турадиган асбоб. *Телевизор стабилизатори.*

3 *ким.* Бирор материал (пластмасса, лок, бўёқ, елим ва ш.к.)нинг турли ташқи таъсирлар оқибатида рўй берадиган ўзгариши (эскириши)ни секинлаштирадиган модда.

СТАБИЛИЗАЦИЯ [*лот.* stabilis – турғун, доимий] Стабил ҳолатга келиш ёки келтириш, стабиллашиш ёки стабиллаштириш. *Иқтисодиёт стабилизацияси. Стабилизация қурилмаси.*

СТАБИЛЛАШМОҚ Стабил, турғун, барқарор ҳолга келмоқ, текислашмоқ, турғунлашмоқ. *Баҳолар стабиллашди. Ҳосилдорлик стабиллашди.*

СТАБИЛЛИК Барқарорлик, турғунлик, мустаҳкамлик. *Тезликнинг стабиллиги. Валютанинг стабиллиги.*

СТАВКА I [*р.* ставить – «жойлаштирмоқ, ўрнатмоқ» фл. дан ясалган от] *эск.* **1** Олий бош қўмондон қароргоҳи (уруш даврида). *Ставкага бормоқ.*

2 Қуролли кучлар раҳбариятининг олий органи (уруш даврида). *Ставка кўрсатмалари.*

СТАВКА II [*р.* ставить – «баҳоламоқ, санамоқ, бирор киши ёки кимсага қандайдир тарзда муомалада бўлмоқ» фл. дан ясалган от] **1** Солиқ, иш ҳақи ва б. турли хил тўловлар миқдори, меъёри. *Ойлик ставка. Солиқ ставкаси.* ▬ *Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромади ошди.* Газетадан.

2 *с.т.* Бир ойлик иш соати ёки куни. *Мен ишга энди келишим, Назар Яхшибоевич. Бу ерда ярим ставка ишлайман, келаман-у кетаман.* М. М. Дўст, Лолазор. *Институтни битириш билан «Москвич» сотиб олди. Яқин поликлиникага номига ярим ставка ишга кириб қўйиб, кундузи гулчилик қилди.* М. Мансуров, Ёмби.

СТАДИОН [*юн.* stadion – Юнонистонда спорт мусобақалари ўтказиладиган жой] Футбол ва б. спорт ўйинлари майдони, югуриш йўлкалари ва томошабинлар учун трибуналари, ёрдамчи иншоотлари ва хоналари бўлган спорт мажмуаси. *«Пахтакор» стадиони.* ▬ *Арслон наридан-бери овқатланиб, қайта кийинди-да, стадионга – футболга кетди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

СТАДИЯ [*юн.* stadion – қадимда: масофа ўлчов бирлиги] Бирор нарсанинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган давр, ҳар бир муайян босқич. *Қурт боқишнинг биринчи стадияси.*

СТАЖ [*фр.* stage] **1** Бирор соҳадаги иш-фаолиятнинг давомийлиги, умумий муддати, вақти. *Меҳнат стажи.* ▬ *Улар менинг «икки йил ўқишга киролмай, бир шамоллаб, стаж орттиргани» келганимга чиппачин ишонишди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Янги ишга кирган кишининг бирор ишда, соҳада амалий тажриба орттириши,

раҳбарият томонидан унинг қобилиятига баҳо берилиши учун белгиланган вақт. *Бу ишда менинг стажим йўқ.*

СТАЖЁР [*фр.* stagiaire] Кейинчалик муайян лавозимда ишлаш учун синов муддатини ўтаётган ва таълим олаётган киши.

СТАЖИРОВКА [«стажёр» с. дан] Тажриба орттириш учун белгиланган синов муддати ва шу муддат давомидаги амалий иш тажрибаси; стажёр бўлиб ишлаш, синов муддатини ўташ. *Шу билан бир қаторда таълим олиш ва стажировкадан ўтиш учун ёшларни мамлакатнинг саноат марказларига кўпроқ юбориб туриш фойдали бўлади.* Газетадан.

СТАЙЕР [*ингл.* stayer – чидамли одам] Узоқ масофаларга югурувчи ёки сузувчи спортчи; *таққосланг:* **спринтер.**

СТАКАН [*қад. р.* – стокан, достакан < *т.* тостакан – ёғоч косача] Ичимликлар ичиш учун ишлатиладиган, дастасиз цилиндрик шиша идиш. *Қиррали стакан. Биллур стакан. Бир стакан сув.* ▬ *Сомсахона орқасига ўтиб, вино будкасидан стакан сўраб олди-да, дўкондан олиб чиққан чоракта ароқни қулқуллатиб қуйиб ичди.* С. Аҳмад, Уфқ.

СТАН [*р.* стан, станок – манзил, қароргоҳ; дастгоҳ] *тех.* Металл чиғирлайдиган, ёядиган машина. *Прокат стани.*

СТАНДАРТ I [*ингл.* standard – меъёр, намуна, ўлчам] **1** Ўзига ўхшаш бошқа объектларни таққослаш учун асос қилиб олинган намуна, андоза, эталон.

2 Стандартлаштирилаётган объектга нисбатан қўлланадиган меъёрлар, қоидалар, талаблар мажмуини белгиловчи расмий меъёрий-техник ҳужжат. *Давлат стандартлари.* ▬ *Нуқсонлар, нон сифати бўйича давлат инспекциясининг текширишича, давлат стандартига ва нон ёпиш технологияси қоидаларига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқади.* «Фан ва турмуш».

СТАНДАРТ II **1** Стандартга мувофиқ, мос бўлган, стандарт талабларига жавоб берадиган. *Стандарт уйлар. Стандарт деталлар.* ▬ *Синалаётган янги навлар, ҳосилдорлиги ва қимматли хўжалик белгилари бўйича, стандарт навга қиёслаб баҳоланади.* «ЎзМЭ».

2 *кўчма* Бир қолипдаги, шаблон. *Стандарт гап.* ▬ *Келганлар мен билан икки сўзли стандарт табрик айтиб сўрашдилар.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

СТАНДАРТЛАМОҚ Бир стандартга келтирмоқ, стандартга мувофиқ, бир хилда, бир қолипда ишламоқ, ясамоқ, ҳозирламоқ. *Стандартланган бинолар.*

СТАНДАРТЛАШ Фан, техника ва амалий тажрибаларнинг умумлаштирилган ютуқларига таянган ҳолда стандартлар белгилаш ва уларни тармоқларда қўллаш жараёни. *Стандартлаш халқ хўжалигини бошқаришда муҳим роль ўйнайди.* «ЎзМЭ».

СТАНДАРТСИЗ Стандартга мос келмайдиган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган, стандартдан ташқари; ностандарт. *Стандартсиз мол. Стандартсиз ускуналар.*

СТАНОК [*р.* станок – кичкина дастгоҳ] **1** *тех.* Металл, ёғоч, қаттиқ материалларга ишлов бериш, улардан бирор нарса тайёрлаш ҳамда газлама тўқиш учун хизмат қилувчи машина. *Пармалаш станоги. Силлиқлаш станоги.* ▬ *Минг-минглаб кишилар машина, станоклар, конвейерлар қаршисида эртадан-кечгача туриб меҳнат қилишади.* «Фан ва турмуш». *Сўнгги маълумотларга қараганда, духоба тайёрлаш учун янги пневматик-автоматик станоклар тайёрланиши назарда тутилмоқда.* Газетадан.

2 *ҳарб.* Тўп, пулемёт ва ш. к. қуроллар ўрнатилган, одатда, ғилдиракли асос. *Пулемёт станоги.*

СТАНОКЛИ **1** Станоги бор, станок билан таъмин этилган. *Замонавий станокли цехлар.*

2 Станокка ўрнатилган. *Ўн тўртинчи вагон томига қўл пулемёти, охирги вагонга иккита станокли пулемёт ўрнатилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СТАНОКСОЗ [станок + *ф.* ساز – ясовчи, қурувчи] Станок ясовчи, станок ишлаб чиқарувчи ишчи, мутахассис.

СТАНОКСОЗЛИК Станоклар ишлаб чиқариш; машинасозлик саноатининг станоклар ишлаб чиқарадиган тармоғи. *Станоксозликни ривожлантириш. Станоксозлик саноати.*

СТАНСА *с. т. эск.* Станция. -*Жўна, бошқа юмушларни қил. Ман ўзим ҳайдайман, стансада юмушим ҳам бор, – деди-да, Ёрмат ҳайдовчи ўрнига ўтириб олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Стансаси йўқ *с. т.* Тайини йўқ, бетайин. **Стансанг ишлайдими?** *дағл.* Миянг ишлайдими? Ақлинг борми?

СТАНЦИЯ [*лот.* statio – тўхташ жойи; бекат] 1 Темир йўл поездлари ёки қуруқликдаги бошқа транспорт воситалари тўхтайдиган жой; шу жойга тегишли иншоот ва хизматлар мажмуи. *Темир йўл станцияси. Метро станцияси.* ▬ *Поезд Тошкентдан чиққандан бери йўл-йўлакай ҳар разъезд, ҳар станцияда вагонларга гул отаверишган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чоллар, келинчаклар, ҳассага таяниб қолган кампирлар станция биноси тепасидаги радиокарнайга тикилишган.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Махсус вазифа бажарувчи айрим муассасалар, корхоналар ёки илмий-текшириш иши олиб борувчи муассасалар номи. *Телефон станцияси. Метеорология станцияси. Селекцион станция.* ▬ *Шу боисдан бу ерда сейсмик станция қурилди ва кенг кўламда сейсмологик, геофизик кузатишлар бошлаб юборилди.* «Фан ва турмуш». *Зиммамизда бир ярим мингта дизель насос станцияларини электр энергиясига ўтказишдек катта вазифа турибди.* Газетадан.

3 Бортида илмий асбоб-ускуналари бўлган космик аппарат. *Космик станция.* ▬ *Мутлақо кутилмаганда «Салют-7» орбитал станцияси билан алоқа узилди.* «Фан ва турмуш».

СТАРТ [*ингл.* start – жўнаб кетиш; ҳаракатнинг бошланиши] **1** Масофани босиб ўтиш ва олдинга ҳаракат қилиш билан боғлиқ спорт мусобақаларининг бошланиш ўрни. *Старт чизиғи. Старт майдони.* ▬ *Раҳим цирк полвонларидай кўкрагини олдинга чиқариб, лапанглаб, стартга яқинлашди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Югуриш, велопойга ва ш.к. спорт мусобақаларининг бошланиш пайти. *Старт бермоқ.*

3 Учиш аппаратларининг ердан кўтарилиш жойи ва пайти.

СТАРТЕР [*ингл.* starter < start – бошламоқ, ишга туширмоқ] Ички ёнув двигателини ишга солиш, юргизиб юбориш учун хизмат қиладиган мослама, асбоб.

СТАТИК 1 [*юн.* statikos – турувчи, жойлашувчи; тўхтаб турувчи] Статикага, ҳаракатсизлик ҳолатига, мувозанатга оид, статика қонунларига асосланган. *Статик нагрузка.* ▬ *Ҳаракатсиз ҳолатдаги иш, масалан, қўлни чўзиб турган ҳолатда юкни ушлаб туриш статик иш деб аталади.* «Анатомия».

2 Ҳаракатсиз ҳолатни акс эттирувчи, ҳаракатсиз, турғун ҳолатдаги. *Статик тасвир.*

СТАТИКА [*юн.* statike] **1** Механиканинг жисмларнинг муайян кучлар остидаги мувозанат шарт-шароитларини ўрганадиган соҳаси. *Геометрик статика усулларидан фойдаланиб, қаттиқ жисмларнинг мувозанат ҳолатлари ўрганилади.* «ЎзМЭ».

2 Мувозанат, тинчлик ҳолати.

СТАТИ́СТИК [*юн.* statos – арзирли] Статистика мутахассиси, статистика билан шуғулланувчи киши.

СТАТИСТИ́К 1 Статистикага оид. *Статистик маълумотлар.*

2 Статистика методлари асосида олиб бориладиган, шу асосда тўпланган маълумотларга таянадиган. *Статистик кузатишлар. Статистик жадваллар.*

СТАТИСТИКА [*нем.* Statistik< *итал.* stato – давлат < *лот.* status – бойлик, мол-мулк] Турли хил ялпи миқдорий маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш методларини ишлаб чиқадиган, шу йўл билан ижтимоий ҳаётнинг умумий қонунларини ўрганадиган ижтимоий фанлар тармоғи. *Статистика мураккаб ва сертармоқ фанлар мажмуидан иборат бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил ҳодисаларини ўрганади ва таҳлил этади.* «ЎзМЭ».

2 Жамият ҳаётидаги ҳодисалар ва жараёнларга доир ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил ва эълон қилиш билан боғлиқ амалий фаолият соҳаси. *Статистика амалиёти билан Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар, туман бошқарма (бўлим)лари шуғулланади.* «ЎзМЭ».

3 Ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳасини тавсифловчи якуний кўрсаткичлар йиғиндиси.

СТАТУС [*лот.* status – аҳвол, ҳол, ҳолат] Халқаро ҳуқуқда: ҳуқуқий ҳолат, вазият (*яна қ.* **мақом** II **3**). *Дипломатик статус. Давлатнинг мустақиллик статуси.*

СТАТЬЯ [*р.* статья – мақола; банд, модда] *қ.* **модда** II **2**. *Даромад статьялари. Буромад статьялари.*

СТАХАНОВЧИ [ўтган асрнинг 30-йилларида кўмир қазиб олишда ўта юқори кўрсаткичларга эришган машҳур шахтёр А. Стаханов номидан] *тар.* Стахановчилик ҳаракатининг қатнашчиси; ўтган асрнинг 30–40-йилларида ишлаб чиқаришда янги техникани эгаллаган ва юқори меҳнат унумдорлигига эришган новатор ишчи. *Жонфиғон ўтган йил баҳор кечаларининг бирида.. истироҳат боғига кирган экан, қараса, шаҳарнинг манман деган стахановчилари қаторида хотинининг ҳам каттакон портрети турибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

СТАЦИОНАР I [*лот.* stationarius – қўзғалмас, ҳаракатланмайдиган] **1** Ҳамиша бир жойда туриб ишлайдиган, кўчмас ишхона, муассаса ва ш. к.

2 Касаллар доимий жой (койка)га эга бўладиган ва бутун сутка (лар) давомида ётадиган даволаш муассасаси. *Стационарда даволанмоқ.*

СТАЦИОНАР II **1** Бир жойда туриб ишлайдиган, кўчмас. *Стационар устахона. Стационар кутубхона.*

2 Бутун сутка давомида касалхонада ётиб даволаниш билан боғлиқ.

СТАЧКА [*қад. р.* стакаться – тил бириктирмоқ, келишмоқ] *тар. айн.* **забастовка**.

СТВОЛ [*қад. р.* стибол – поя; шохча] **1** Милтиқ, тўп сингари отиш қуролларининг ўқ отилиб чиқадиган найсимон қисми. *Милтиқ стволи. Пулемёт стволи.* ▬ *Танклардаги тўпларнинг узун стволлари олов пуркай бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кон.* Вертикал шахтанинг оғзидан тубигача бўлган қисми. *Шахта стволи.*

СТЕЛЛАЖ [*нем.* Stellage < *голл.* stellen – қўймоқ, жойлаштирмоқ] Турли нарсалар қўйиш, мас., китоб сақлаш учун ясалган сўкичаксимон устма-уст токча (полка)лар.

СТЕЛЬКА [*р.* стлать – «ёймоқ, солмоқ, тўшамоқ» фл. дан ясалган от] Пойабзалнинг ичига қўйиладиган юпқа чарм, мата ёки картон патак.

СТЕНД [*ингл.* stand – таглик, поя, устун; пештахта] **1** Кўргазма, музей ва ш. к. да намойиш учун экспонатлар қўйиладиган мослама, шчит. *Адабиёт музейида «Навоий» стенди. Экспонатларни стендларга қўймоқ. Стенд ташкил этмоқ.* ▬ *Стендларда ойна тагига қўйилган турли-туман минераллар йилт-йилт товланар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Тайёр машина ва ускуналар синаладиган қурилма. *Двигателни стендга ўрнатиб, синовдан ўтказмоқ.*

3 Ҳавода учиб бораётган нишонга сочма ўқ билан отиш учун жиҳозланган махсус жой, майдонча.

СТЕНО- [*юн.* stenos – тор, сиқиқ, қисқа] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «тор, сиқиқ, тиғиз, қисқа» маъноларини ифодалайди.

СТЕНОГРАММА [стено.. + *юн.* gramma – ёзув, ёзув белгиси] Оғзаки нутқни қоғозга сўзма-сўз ёзиб олиш; стенографик усул билан ёзиб олинган матн. *Маъруза стенограммаси.*

СТЕНОГРАФИК 1 Стенографияга оид. *Стенографик усул. Стенографик алифбо.*

2 Стенография усули билан ёзиб олинган. *Стенографик ҳисобот. Стенографик материаллар.*

СТЕНОГРАФИСТ Оғзаки нутқни стенография усули билан ёзиб олувчи мутахассис.

СТЕНОГРАФИСТКА Стенографист аёл. *Агар стенографистка қиз ушлаб қолмаганида, дераза тагидаги гули қуриб қолган тувакка боши билан уриларди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

СТЕНОГРАФИСТЛИК Стенографист касби, стенография билан шуғулланиш. *Стенографистлик курси. Стенографистликни ўрганмоқ.*

СТЕНОГРАФИЯ [стено.. + *юн.* grapho – ёзаман] Оғзаки нутқни турли шартли белгилар ва қисқартмалар билан тез ёзиб олиш усули ва шундай ёзувнинг ўзи. *Стенография курси. Маърузаларни стенографияда ёзиб бормоқ.*

СТЕНОГРАФЧИ *айн.* **стенографист.**

СТЕНОКАРДИЯ [стено.. + *юн.* kardia – юрак] *тиб.* Юрак ишемик касаллигининг кўкрак қафасининг марказий ёки чап қисмида тўсатдан пайдо бўладиган ғижимловчи оғриқ билан, қўрқув ва ваҳима билан кечадиган шакли.

СТЕПЛЕР [*итал.* stepler] Қоғоз варақларини металл чангакчалар билан бириктириш, тикишга мўлжалланган дастаки ёки механик мослама.

СТЕРЕО- [*юн.* stereos – қаттиқ; жисмга оид, ҳажмий, фазовий] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи тарки-

бий қисми: «қаттиқ, қатъий»; «ҳажмдорлик, фазовий тақсимланиш» маъноларини ифодалайди (мас., *стереотип, стереометрия, стереокимё* ва б.).

СТЕРЕОКИМЁ [стерео.. + кимё] *ким.* Молекулалардаги атомларнинг фазовий жойлашиши, тузилиши ва бунинг физик-кимёвий таъсири ҳақидаги таълимот, фан.

СТЕРЕОМЕТРИЯ [стерео.. + метр] *мат.* Геометриянинг бир текисликда ётмаган, фазодаги геометрик шаклларни ўрганадиган бўлими.

СТЕРЕОСКОП [стерео + *юн.* skopeo – кўраман] Бир нарсанинг иккита тасвирини бирга қўшиб, бўрттириб, ҳажмдор қилиб кўрсатадиган оптик асбоб.

СТЕРЕОСКОПИК 1 Ҳажми, фазовий шакли яққол кўзга ташланадиган, бўртиб кўринадиган, бўртма. *Стереоскопик тасвир. Стереоскопик фотосурат.*

2 Ҳажмдор тасвир ҳосил қиладиган, бўрттириб, ҳажмдор қилиб кўрсатадиган. *Стереоскопик кино.*

СТЕРЕОТИП [стерео + *юн.* typos – из, тамға; аломат] **1** *плгрф.* Китоб, газета, журнал ва ш.к. ни кўп нусхада нашр этиш учун терилган матннинг металл, резина ёки пластмассадан қилинган яхлит қолипга кўчирилган нусхаси; босма қолип.

2 Стереотип 1 га оид, стереотипдан кўчириб босилган. *Стереотип нашр.*

3 *кўчма* Бир хил, бир қолипдаги. *Фильмни яратиш учун муаллифлар янги, маънодор шакллар, қаҳрамонларни янгича кўрсатиш йўлларини излаб, ўрганиб қолинган стереотип ва схематизмдан воз кечаётганликларини намойиш этдилар.* Газетадан.

СТЕРЕОТИПИЯ *плгрф.* Стереотиплар тайёрлаш ва улардан фойдаланиб, китоб ва ш. к. босиш усули, техникаси.

СТЕРЖЕНЬ [*қад. р.* стержень – дарахт танасининг ўзаги] Металл ёки бошқа материалдан тайёрланган таёқчасимон деталь. *Металл стержень. Затвор стержени.*

СТЕРИЛ [*лот.* sterilis – тоза, пуштсиз, наслсиз] Стерилизация қилинган, стерилланган, микроблардан холи қилинган. *Стерил пахта. Стерил бинт.* ▬ *Аппарат бутун асбоблари билан стерил бўлиши лозим.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

СТЕРИЛИЗАТОР Лаборатория идишлари, тиббий асбоб-ускуналарни стериллаш учун хизмат қиладиган қурилма, мослама.

СТЕРИЛИЗАЦИЯ, стериллаш [*лот.* sterilis – тоза, пуштсиз, наслсиз] Қайнатиб, қизитиб, қатрон қилиб ёки кимёвий йўл билан микроблардан тозалаш, зарарсизлантириш.

СТИЛИСТИК Стилга, стилистикага оид, услубий. *Стилистик хато. Стилистик жиҳатдан ғализ жумла.* ▬ *Бу синонимик қаторлардаги сўзлардан фақат нейтрал стилистик бўёққа эга бўлган баъзи сўзларгина атрибутив функцияда қўлланади.* «ЎТА».

СТИЛИСТИКА [«стиль» с. дан] **1** Тилшуносликнинг тил ва нутқ бирликларини ўрнида қўллашни, тилнинг тасвирий воситаларини ўрганувчи бўлими. *Лексик стилистика. Фонетик стилистика.* ▬ *Стилистика учун адабий-нейтрал услуб муҳим қимматга эгадир.* «ЎТА».

2 *айн.* **услубшунослик**.

3 Адабиёт назариясининг бадиий адабиёт асарларининг тил хусусиятларини ўрганувчи бўлими.

СТИЛЬ I [*юн.* stylos – ёзув, хат таёқчаси] **1** Муайян давр ёки оқим адабиёти ва санъатидаги, шунингдек, алоҳида бир муаллиф ёки алоҳида асардаги тасвирий воситаларнинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги; шундай воситалар мажмуи; услуб. *Адабиётда романтик стиль. Архитектурада шарқ стили.*

2 *айн.* **услуб 2**. *Ёзувчининг стили. Китобий стиль. Публицистик стиль.*

3 *айн.* **услуб 3**. *Бадиий стиль. Илмий стиль.*

СТИЛЯГА [«стиль» с. дан] *салб.* Кийиниш ва юриш-туришда кўпчиликнинг дидига мос келмайдиган, ғайриоддий, европача модага зеб берувчи йигит ёки қиз. *Шаҳар стилягаларини бир чўқишда қочирадиган бу қиз Иномжонни тамоман лол қилиб қўйган эди. С.* Аҳмад, Мўтти.

СТИМУЛ [*лот.* stimulus – ҳайвонларни ҳайдаш учун белгиланган учли таёқ] Бирор ишга қизиқиш туғдирадиган, рағбатлантирадиган, ундайдиган нарса, омил. *Меҳнат унумдорлигини оширувчи стимуллар. Моддий стимул. Маънавий стимул. Стимул бермоқ.*

СТИПЕНДИАТ [*лот.* stipendiatus] Стипендия олувчи шахс. *Президент стипендиати.*

СТИПЕНДИЯ [*лот.* stipendium – тўлов] Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимлари талаба ва ўқувчилари-

га, аспирант ва докторантларга, махсус курсларнинг тингловчиларига ҳар ойда бериб туриладиган нафақа, пул.

СТИХИЯ [*юн.* stoicheion – унсур, элемент; ибтидо, асос] **1** Кучли табиий офат (ёнғин, тошқин, довул, зилзила ва ш. к.). *Табиат стихиясини енга оладиган бирдан-бир куч – одамлар.. улардаги жасурлик.* И. Раҳим, Ихлос.

2 *кўчма* Кўр-кўрона, бебош ҳаракат; уюшмаганлик; уюштириб ва идора қилиб бўлмайдиган ижтимоий куч.

СТИХИЯЛИ 1 Стихияга оид, кишиларнинг иродасидан, хоҳишидан ташқари табиий кучлар таъсири остида юзага келадиган.

2 Уюшмаган, тўғри ташкил этилмаган, идора қилиб бўлмайдиган. *Стихияли ижтимоий ҳаракат.*

СТИХИЯЛИЛИК Уюшмаганлик, тўғри ташкил этилмаганлик; режасизлик. *Ҳаракатнинг стихиялилиги.*

СТИХИЯЧИЛИК Стихияли ҳаракат, бошбошдоқлик. *Стихиячиликни онглиликка айлантириш.*

СТОИК [*юн.* stoikos] *флс.* Стоицизм издоши, тарафдори.

СТОИЦИЗМ [*юн.* Stoia (Стоя) – стоиклар мактаби асосчиси Зенон биринчи марта нутқ сўзлаган пешайвон номидан] Юнон фалсафасида милоддан аввалги 2–3-асрларда юзага келган, инсон (доно киши) эҳтирос ва ҳою ҳаваслардан холи бўлиб, ақлидрокка бўйсуниб яшамоғи керак, деб ҳисоблаган фалсафий оқим. *Гераклит ғоялари таъсирида стоиклар бошланғич оловнинг фаол ролини, унинг ҳамма нарсанинг яратувчиси эканлигини қайд қилганлар, лекин улар кейинчалик ҳаво, сув, тупроқнинг ролини ҳам эътироф этганлар.* «Фалсафа».

СТОЛ [*қад. р.* стол – курси, ўриндиқ; тахт] **1** Дастурхон тузаш ёки ишлаш учун мўлжалланган, тиргак ёки оёқчаларга ўрнатилган кенг горизонтал тахтали баланд курси; мебель тури. *Тўгарак стол. Тортмали стол. Ёзув столи. Овқат столи. Операция столи.* ▬ *[Абдулла Қаҳҳор] Ҳар куни муайян вақтда ёзув столида ўтиришлари шарт эди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Лобархон катта уйдаги столга дастурхон тузаб.. чойнакдаги чойни қайтариб турарди.* Газетадан. *Жувон бир коса хушбўй ва хуштаъм овқатни столга қўйиб, секин нари кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *кўчма с. т.* Амал, лавозим. *[Заргаров:] Нимадан тап тортаман!.. Олса, столини олади-да, артелимга бориб, яна раислигимни қилавераман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

3 Махсус ишлар билан шуғулланувчи муассаса ёки муассасадаги бир бўлим. *Паспорт столи. Адрес столи.*

СТОЛБА [*р.* столб – ерга тик ўрнатилган ходa] *айн.* **симёғоч**. *Электр тармоғи столбалари.* ▬ *Поезд шу қадар елмоқдаки, Норматнинг назарида поёнсиз дашт чир айланиб, телеграф столбалари унга қараб чопиб кетаётгандай.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СТОМАТИТ [*юн.* stoma, stomatos – оғиз + itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Оғиз бўшлиғидаги шиллиқ парданинг яллиғланиши.

СТОМАТОЛОГ Стоматология бўйича мутахассис, врач. *Ҳозир стоматолог кабинетлари замонавий аппаратлар билан жиҳозланган.* «Саодат».

СТОМАТОЛОГИК Стоматологияга оид. *Стоматологик операция.* ▬ *Стоматологик касалликларни даволашда турли дори-дармонлар, лазер ва инфрақизил нур, ультратовуш, физиотерапия усуллари ва ш.к. дан фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

СТОМАТОЛОГИЯ [*юн.* stoma, stomatos – оғиз, + logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг оғиз бўшлиғи, тиш, жағ ва юз касалликлари ва уларни даволаш ҳақидаги бўлими. *Ҳозирги замон стоматология фани терапевтик, хирургик, ортопедик, болалар стоматологияси каби бўлимларни ўз ичига олади.* «ЎзМЭ».

СТОП-КРАН [*ингл.* stop – «тўхтатмоқ» фл. дан буйруқ шакли + кран] Вагонларга ўрнатилган ва поездни дарҳол тўхтатиш зарурати туғилганда босиладиган тормозлаш ричаги.

СТРАТЕГ [*юн.* strategos] **1** *ҳарб. тар.* Юнонистонда кенг ҳарбий ва сиёсий ваколатларга эга бўлган лашкарбоши.

2 Йирик ҳарбий операцияларга раҳбарлик қилувчи саркарда, стратегия билимдони.

3 *кўчма* Бирор фаолият соҳасига моҳирлик билан раҳбарлик қилувчи киши.

СТРАТЕГИК 1 Стратегияга оид, стратегия билан боғлиқ. *Стратегик режа.*

2 Ҳарбий аҳамиятга, урушнинг умумий мақсади нуқтаи назаридан аҳамиятга молик бўлган. *Стратегик хомашё. Стратегик қурилишлар.* ▬ *Бу тепаликдан туриб, дарё кўприкларини кузатиб туриш, ўққа тутиш мумкин. Бу жиҳатдан 119-тепалик — жуда-жуда муҳим стратегик объект.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Мустақил ҳаракат қиладиган йирик ҳарбий бўлинмаларга ёки бутун армияга оид. *Стратегик фронт. Стратегик авиация. Стратегик разведка.*

4 *кўчма* Бирор-бир иш-фаолиятни, жараённи тайёрлаш ва амалга ошириш учун муҳим бўлган умумий ёки асосий йўл-йўриқларни қамраб олган. *1994 йил 1 июлдан миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилиши билан мамлакатимиз энг катта иқтисодий стратегик қадам қўйди.* Газетадан.

СТРАТЕГИЯ [*юн.* strategia < stratos — қўшин + ago — бошлаб бораман] **1** *ҳарб.* Уруш олиб бориш санъати; уруш ва ҳарбий операциялар ўтказишнинг умумий режаси. *Яшин тезлигидаги уруш стратегияси.*

2 Уруш олиб бориш ҳақидаги фан. *Стратегия курси. Стратегиядан маъruзалар. Ҳарбий стратегия назарияси.*

3 *кўчма* Ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати, шунингдек, умуман, бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати. *Фан тараққиётида ҳар бир муҳим давр илмий изланишларнинг маълум стратегиясини ўртага ташлайди.* «Фан ва турмуш».

СТРАТОСТАТ [*лот.* stratum — тўшама, қатлам + statos — турғун, қўзғалмас] Стратосферага учириш учун белгиланган аэростат; ҳаво шари. *Ҳозир стратостатлардан илмий текшириш мақсадларида.. метеорологик ракеталар учириш ва бошқаларда фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

СТРАТОСФЕРА [*лот.* stratus — тўшама, қатлам + sphaira — шар] Атмосферанинг тропосферадан 8—10 километрдан то 50 километр баландликкача бўлган оралиқда жойлашган қатлами. *Стратосферадаги озон қатлами ультрабинафша нурларни Ер сиртига ўтказмайди, акс ҳолда, Ерда ҳаёт бўлмас эди.* «ЎзМЭ».

СТРАХОВАНИЕ [*р.* страховать — «эҳтиёт қилмоқ, хавфсизлигини таъминламоқ» фл. дан ясалган от] *қ.* **суғурта**.

СТРЕЛКА [*р.* стрела — «ўқ, найза; мил, тил» с. нинг кичр.] **1** Турли ўлчов ва назорат асбобларида: ўз ўқи атрофида айланиб, ўлчанаётган нарса миқдорини кўрсатувчи ингичка учли, камбар найза. *Соат стрелкаси. Манометр стрелкаси.* ▬ *Очилнинг ҳислари ҳаракатдаги пўлатлар орасига тушиб қолган магнит стрелкасидай титраб, у ёқдан бу ёққа бориб келар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *[Ҳайдовчи] Газни шундай қаттиқ босдики, кўз очиб-юмгунча спидометр стрелкаси «100» дан ўтиб, «120»га яқинлашиб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Шу шаклдаги чизиқ ёки белги. *Йўл кўрсатувчи стрелка.* ▬ *Хаританинг ҳар хил жойларига рангдор қаламлар билан белгилар, стрелкалар, рақамлар қўйилган эди.* М. Муҳамедов, Одерга.

3 *т. й.* Темир йўлларда бир изни иккинчи изга улаш, ҳаракатдаги составни бир йўлдан иккинчи йўлга ўтказиш учун хизмат қиладиган мослама. *Трамвай стрелкаси. Стрелкани бир издан иккинчи изга ўтказмоқ.*

СТРЕЛКАЛИ Стрелкаси бўлган. *Стрелкали гальванометр. Стрелкали чизиқ.*

СТРЕЛКАЧИ Темир йўл изларининг стрелкасини буриб, ўзгартириб турувчи ишчи. *Разъезд стрелкачиси.* ▬ *Бир куни бригада сменадан чиқиб келаётганда, Иномжон улардан сурилиб, стрелкачи қиз Мўттихоннинг олдида қолади.* С. Аҳмад, Мўтти.

СТРЕСС [*ингл.* stress — босим; кучланиш, танглик] Одам ва ҳайвонларда кучли ташқи таъсиротлар натижасида содир бўладиган ўта ҳаяжонланиш, безовталик, асабийлик ҳолати. *Одамда бир хил кучдаги стресс ҳам хавфли, ҳам ижобий бўлиши мумкин.* «ЎзМЭ». *Турмуш тарзимизда кулгининг аҳамияти шу қадар муҳимки, кўпгина муаммоларни кулги ёрдамида енгиб, стресс оқибатида пайдо бўладиган касалликларнинг олдини олишимиз мумкин.* Газетадан.

СТРОНЦИЙ [*лот.* Strontium < Strontion (Строншион) — Шотландиядаги кичик бир қишлоқ номи] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон оқ енгил металл. *Кальций бор жойда ҳамиша стронций учрайди.* «Фан ва турмуш».

СТРУКТУРА [*лот.* structura — тузилиш; боғланиш] Муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро

боғлиқлиги. *Тупроқнинг структураси. Сўз структураси. Бошқариш аппаратининг структураси.* ▬ *Структурани билиш — элементларни, уларнинг ўзаро алоқадорликларини аниқлаш, бу элементлар бир бутунлигининг ўзига хос табиатини тушуниб олишдир.* «ЎзМЭ».

СТРУКТУРАВИЙ Структурага, тузилишга, таркибга оид. *Структуравий тилшунослик.* ▬ *Оламда сифат жиҳатдан турли системаларда структуравий муносабатларнинг беҳисоб кўп даражалари, типлари мавжуддир.* «Фалсафа». *Кейинги вақтларда табиатшунослик ва ижтимоий фанлар соҳаларида.. структуравий таҳлил усуллари ишлаб чиқилди.* «ЎзМЭ».

СТРУКТУРАЛИ Муайян структурага, тузилишга эга бўлган. *Структурали тупроқ.*

СТУДЕНТ [*лот.* studens, studenstis — қунт, ғайрат билан ишловчи, шуғулланувчи] *айн.* **талаба**. *Институт студенти.* ▬ *Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда.. ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СТУДЕНТКА Студент қиз.

СТУДЕНТЛИК *қ.* **талабалик**. *Элмуроднинг студентлигида.. Маяковский ҳақида доклад қилганида фамилиясини билиб олган эди йигит.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Студентлик йиллари ихлос билан ўқидик.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

СТУДИЯ [*итал.* studio — ҳафсала, қунт; ўқиш, ўрганиш] **1** Рассом ёки ҳайкалтарош ишхонаси.

2 Рассом ёки актёрлар тайёрлайдиган мактаб.

3 Таълим-тарбия машғулотлари амалий-ижодий иш билан биргаликда олиб бориладиган, актёр, созанда, рассом ва ш. к. тайёрлайдиган мактаб. *Балет студияси. Опера студияси.* ▬ *Москвадаги ўзбек театр студияси ўқувчилари жиддий постановкалар тайёрлаган эдилар.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

4 Саҳнавий (ёки тасвирий) санъат асосларини ўрганадиган, асосан ёшлардан ташкил топган театр (ёки рассомлар) ижодий жамоаси. *Бу орада ёнимга зарварақ тўн кийган икки артист келиб ўтирди. Студиянинг таомилига кўра, мен ҳам уларга парво қилмай, ўтиравердим.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

5 Бадиий ва б. фильмлар яратувчи ижодий ва техник ходимлар жамоаси; шу жамоа ишлайдиган жой, киностудия. *Ҳужжатли фильмлар студияси.* ▬ *Фильмлар Тошкент студиясининг ўз ижодий кучлари билан ўз павильонида олиниб, ўз фабрикасида тайёрланади.* Газетадан.

6 *с. т.* Радио эшиттириш ва телекўрсатувлар олиб бориладиган махсус бино; радиостудия ёки телестудия.

7 Умуман, сурат олиш, овоз ёзиш ва ш. к. мақсадлар учун жиҳозлангаи иш жойи. *Тошкентда яқинда грампластинкалар учун овоз ёзиб оладиган студия очилган эди.* Л. Пўлатов, Янги студияда.

СТУЛ [*р.* стул < *нем.* stuhl] Одатда суянчиғи бўладиган, бир кишилик ўриндиқ; курси. *Дадам сувоғи кўчган деворларга, эски шкаф, оёғи маймоқ стулларга бир қараб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳафиза Умиднинг кўзларига тикилди. Бир лаҳзадан кейин стулга ўтирди. У Умиднинг юрагида бир нима борлигини сезарди.* Мирмуҳсин, Умид.

СТУН *айн.* **сутун**. *У [Марайим] хаш-паш дегунча стунга тирмашиб чиқиб, картонни эски деворий газетанинг устига михлаб тушди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Султон Муҳаммаднинг давлати — стунлари чириган кўҳна бир иморатдир.* М. Осим, Ўтрор.

СТЮАРДЕССА [*ингл.* stewardess] Самолёт ёки кемаларда йўловчиларга хизмат кўрсатувчи шахс. *Стюардесса қиз. Стюардессалар махсус мактабларда тайёргарликдан ўтадилар.*

СУБСТАНЦИЯ [*лот.* substantio — моҳият] *флс.* Қадимги фалсафа тарихида бутун борлиқ ва ҳодисаларнинг моҳияти, дастлабки асоси. *Арастунинг ўзи эса субстанция — моҳият, барча категорияларнинг реал асоси.. деб таъкидлайди.* «Фалсафа».

СУБСТРАТ [*лот.* substratum — тўшама, асос] **1** *флс.* Турли-туман ҳодиса ва жараёнларнинг умумий моддий асоси, ҳодисалар ўртасидаги умумийлик ёки ўхшашликнинг негизи.

2 *тлш.* Маҳаллий аҳолининг келгинди (босқинчи)лар тили томонидан сиқиб чиқарилган тили; шу тилнинг келгиндилар тилидаги излари, қолдиқлари. *Формал ҳажмнинг бу даражадаги ихчамлиги мураккаб семантик субстратнинг ифодаланишига, бирор даражада бўлсин, монелик қилмайди.* «ЎТА».

СУБТРОПИК [*лот.* sub – остида, яқинида, ёнида + тропик] Субтропикларга оид, хос. *Субтропик иқлим. Субтропик ўсимликлар.* ▬ *Цитрус ўсимликларидан бири – лимон субтропик ва тропик мамлакатларда ўсади.* Газетадан. *Совуқ ҳаво бостириб кириши натижасида гоҳо субтропик зонада ҳам қор ёғиши мумкин.* «Фан ва турмуш».

СУБТРОПИКЛАР Ер шарининг Шимолий ва Жанубий яримшарларидаги тропик зоналар билан мўътадил зоналар ўртасида жойлашган икки географик зона.

СУБУТ [*а.* ثبوت – қатъийлик, барқарорлик, мустаҳкамлик] Сўзнинг, ваъданинг ёки тутган ишининиг ишончга сазоворлиги, тайинлилиги; эътибор, бурд. *Субути йўқ одам.* ▬ *Субутинг йўқ сенинг. Булар ишни расво қилганда, яна бошқа ёққа ўтиб оласан!* А. Мухтор, Туғилиш.

СУБУТЛИ Субутини, эътиборини йўқотмаган, ишонса бўладиган; бурди бор, тайинли. *Пахта даласи – мардлар майдони, гапининг устидан чиқадиган, лафзи ҳалол, субутли одамлар.. майдони.* С. Абдуқаҳҳор, Қувондиқ.

СУБУТЛИЛИК Ўз сўзида, ваъдасида қатъийлик, барқарорлик. *У [Раҳима] оз вақт ичида.. покизалиги, субутлилиги билан халқни ўзига жалб этди.* Н. Сафаров, Раиса.

СУБУТСИЗ Субутини йўқотган, ишониб бўлмайдиган; тайини, бурди йўқ, бетайин, бурдсиз. *Ваъдага вафо – марднинг иши, Ваъдасиз – субутсиз киши.* Мақол. ▬ *Олимжон – содда ва оққўнгил йигит, сўзлари вазмин ҳам маъноли. У Анварга ўхшаган субутсиз эмас.* Т. Расулов, Марҳамат.

СУБУТСИЗЛИК Ўз сўзида, ваъдасида турмаслик, беқарорлик, субути йўқлик. *Темур афандининг субутсизлигидан ғижиниб айтди..* «Латифалар».

СУБЪЕКТ [*лот.* subjectum – остида, асосида турувчи] Мантиқда: муҳокама қилинаётган, ҳукм чиқарилаётган предмет; мантиқий эга.

2 Фаол иш-ҳаракат қилувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган индивид ёки ижтимоий гуруҳ. *Индивид – ижтимоий мавжудот, шу маънода субъект ижтимоий мазмун касб этади, яъни жамиятнинг ўзи ҳам субъект бўлиб келиши мумкин.* «ЎзМЭ».

3 *тлш. айн.* **эга 2**. *Гапнинг субъекти.*

СУБЪЕКТИВ 1 Бир шахснинг, субъектнинг ўзигагина хос, ўзигагина тегишли; шахсий. *Субъектив омиллар.*

2 Бир кишининг шахсий фикрига, қарашларига асосланган, бир тарафлама, бир томонлама. *Субъектив кечинмалар. Субъектив баҳо. Субъектив қарашлар.*

Субъектив идеализм *флс.* Инсон онгидан ташқарида ва инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳеч қандай реаллик, воқелик йўқ, деб талқин қилувчи фалсафий таълимот; идеалистик фалсафанинг икки асосий оқимидан бири. *Субъектив идеализм.. янги замоннинг йирик мутафаккирлари – Лейбниц, Кант, Фихте, Шеллинг фалсафий қарашларида аксини топди.* «Фалсафа».

СУБЪЕКТИВИЗМ 1 *айн.* **субъектив идеализм** *қ.* **субъектив.**

2 *флс.* Нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ўзгариб боришини қонуниятлар асосида эмас, балки субъект фаолиятига боғлаб тушунтирувчи идеалистик таълимот.

3 Субъектив қараш, масалага бир томонлама, ўз шахсий фикри, мулоҳазалари нуқтаи назаридан ёндашиш. *Ҳаёт ҳодисалари талқинида авторнинг ҳароратли «субъективизми» лирик, ҳиссий стихиядан озиқ олади.* «ЎТА».

СУБЪЕКТИВИСТ Субъективизм тарафдори (*қ.* **субъективизм 1, 2**).

СУБЪЕКТИВЛИК *айн.* **субъективизм**. *Баҳонинг субъективлиги. Фикрнинг субъективлиги.* ▬ *Воқелик ёзувчининг қалб призмасидан ўтади, тасвир объектига муносабат субъективликнинг нозик моментларида кўринади.* «ЎТА».

СУБҲ [*а.* صبح – эрталаб, тонг, тонготар] Эрта тонг пайти; сабоҳ, саҳар. *Тинмагур шаҳримизнинг Субҳида шунча овоз.* Ғ. Ғулом. *Субҳ чоғида магар чиққанда ёрим тўлғаниб, Гул ёқасин чок этар, булбулда афғон қўзғалур.* Ҳабибий.

Субҳи козиб (*л. м.* ёлғон тонг) Тонготардан анча олдин, тонг ёришгандек туюладиган пайт. *Ҳа, субҳи козибда эмас, субҳи содиқда, хўрозлар қичқирар-қичқирмас, булбулу майналар хонишини бошлар-бошламас, тўрт аскар ошналарининг қўрғонига етиб келишганди.* «Ёшлик». **Субҳи содиқ** (*л. м.* чин тонг) Ҳақиқий тонготар пайти. *Шарқ уфқидан аста-аста қоронғилик кўтарилиб, ўрнига субҳи содиқ жойлашмоқда эди.* А. Қо-

дирий, Кичик асарлар. *Излаб бораётган Барчин ёри ҳам, бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ туққан вақтда бир туш кўрди.* «Алпомиш».

СУБҲИДАМ [*а.* + *ф.* صبحدم – эрта тонг; тонг саҳарлаб] Эрта тонг пайти; тонг, субҳ. *Субҳидамда турмоқ. Субҳидам чоғи.* ▬ *Субҳидам сабоси қўзғалиб, Зулфингни тортқилар оҳиста.* А. Шер, Қадимги куй. *[Ёдгорбек] Ювиниб айвонга чиққанида, кеч кузнинг саҳарги совуқ ҳавосидан бадани жунжикди. Лекин бари бир субҳидам тоза ва ёқимли эди.* «Ёшлик».

СУБҲОН [*а.* سبحان – мақтов, мадҳ] *дин.* Мақтов, мадҳия; мадҳлар.

Субҳон олло Оллонинг мадҳи; Оллога мадҳлар бўлсинки.. *[Уста Олим:] Субҳон олло! Қандай юрагингиз бор экан, Отабек!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СУБҲОНИ 1 Эртапишар серҳосил маҳаллий ўрик нави.

2 Шу ўрикдан солинган туршак.

СУВ 1 Водород билан кислороднинг кимёвий бирикмасидан иборат рангсиз, ҳидсиз шаффоф суюқлик; табиатда муз ва буғ ҳолида ҳам учрайди, барча тирик организмларнинг ва кўпгина моддаларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. *Қор суви. Денгиз суви. Оқар сув. Турғун сув.* ▬ *Зилол сувлар, эрам каби боғу бўстонлар, Менинг совғам кошоналар, олтин тупроқлар.* Ғайратий. *Атмосферада сув буғ, туман, булут, ёмғир, қор ҳолатида бўлади..* «ЎзМЭ».

2 Шундай суюқлик ичимлик сифатида. *Минерал сувлар.* ▬ *Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқдир.* «Фан ва турмуш». *Организмга йод озиқ-овқат ва сув билан киради.* «Фан ва турмуш».

Жон (*ёки* **ҳаёт**) **суви** 1) ҳаёт бағишловчи, ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилувчи сув. *Улар ўзларига, ўз ерларига, ўз уйларига ҳаёт суви келтириш учун.. курашга борадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о; 2) *кўчма* ҳаёт бағишловчи, жон, файз киритувчи нарса. *Ташқарида бир қўша созандалар дутор, танбур, ғижжак, рубоб, най билан дунёга жон суви сепиб, шаҳарнинг машҳур ҳофизлари ашула айтадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Машқ бошланиши билан бутун вужудимга ҳаёт суви югурди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Сув ичмоқ** 1) сув истеъмол қилмоқ. *От бошига иш тушса, сувлиғи билан сув ичар, Эр бошига иш тушса, этиги билан сув кечар.* Мақол; 2) суғорилмоқ. *Шолининг орқасидан курмак сув ичибди.* Мақол. ▬ *Кўз тикиб турган ерларимиз эски ариқдан сув ичолмайди, янги ариқдан тақир ичолмайди, яна азалгидай қақраб ётаверади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сув йўли** Кемалар қатнайдиган йўл. **Сув қўймоқ** Суғориш учун сувнинг йўлини очмоқ, суғормоқ. *Экинга сув қўймоқ.*

3 Сой, кўл, дарё ва ш. к. нинг сувли сатҳи ҳақида. *Сув бўйи. Сувнинг нариги бети. Сувнинг кўтарилиши.*

4 Тармева, сабзавот ва ш.к. таркибидаги шира, шарбат, суюқлик. *Анор суви. Сабзининг суви.* ▬ *Боғингда очилган қизил гулларинг, Узумнинг сувидай ширин тилларинг.* «Қўшиқлар».

5 Тирик организм ва аъзолардан ажралиб чиқадиган суюқлик, шира. *Ошқозон суви.* ▬ *[Ёрмат] Тумов орқасида бурнидан тўхтовсиз оққан сувни ҳам сезмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оғзининг суви келди Ҳаваси келди; егиси, ичгиси келди. *Ундан нарида каттакон дошқозонда ош дамлаб қўйилибди. Зарчува солинган, сап-сариқ. Оғзининг суви келиб кетди.* «Ёшлик».

6 Умуман, турли нарсалар таркибидаги намлик. *Суви қочган нон, олмачой билан нонушта қилишаётганда, Гадойбой пайдо бўлди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

7 *кўчма с. т.* Маза-матраси, шираси ёки жири йўқ (мева ёки овқат ҳақида). *Қовун қипқизил сув чиқди. Бу шўрва эмас, шилдир сув.*

8 Каштачиликда: тўғри ёки тўлқинсимон чизиқ шаклидаги гул элементи. *Суви оқ, гули турли қийиқча.*

9 *эск.* Ўн танобга тенг ер ўлчов бирлиги. *Ҳар ўн таноб ер бир сув ҳисобланиб, мана шу майдон ҳисобидан ариқ тозалашга бир ҳашарчи юборилар эди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

10 Турли бирикмали номлар таркибида келади, мас., *сув каламуши, сув эчкилари, сув ости кемаси.*

Анча (*ёки* **кўп, қанча-қанча**) **сувлар оқди** Кўп замонлар ўтиб кетди, анча вақт бўлди. *Ҳа, қизим, ундан буён қанча-қанча қорлар ёғди, қанча-қанча сувлар оқди, у вақтларда ёш эканмиз, фаросат оз экан, кўп-кўп камчиликлар ўтди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Сиркаси сув кўтармайдиган одам** *қ.* **сирка**

I. **Сиртига сув юқтирмаслик** *қ.* **сирт. Сув бўлмоқ** 1) терлаб жиқ ҳўл бўлмоқ, терга ботмоқ. *Бемор иситмалаб, сув бўлиб ётибди;* 2) эриб сувдек бўлмоқ. *Темирчининг қўлида темир эриб сув бўлар.* Мақол. **Сув йўғида таяммум** *қ.* **таяммум. Сув текин** *қ.* **текин. Сув қилиб (***ёки* **сувдек) ичмоқ** *(ёки* **ичиб юбормоқ)** *айн.* **сув қилмоқ 2. Сув қилмоқ** 1) зимдан ўзлаштирмоқ, ўзлаштириб, гумдон, йўқ қилмоқ. *Наврўзда дув-дув гап тарқалганди: Саидхон колхознинг фалонча пулини гумдон қилиб, қамалиб ётганмиш, писмадончи молни сув қилиб, қўлга тушиб қолганмиш.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка; 2) миридан сиригача пухта эгалламоқ, беш қўлдай билиб, ёдлаб олмоқ. *Ўн етти кун деганда [Мўминжоннинг] хати келди.. яна хати келгунча, билмадим, неча марта ўқиб чиққанмикинман уни. Худди сув қилиб юбордим.* Қ. Мақсумов, Муҳаббат қўшиғи. **Сув қуйгандек (тинч, жимжит)** Чурқ этган овоз йўқ, жимжит. *Навоийнинг уйи сув қуйгандек жимжит, ҳамма оёқ учида юрар, бир-бирлари билан шивирлашиб гапиришар эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. **Сувга оқизмоқ** (*ёки* **ташламоқ)** Беҳудага кеткизмоқ, совурмоқ, шамолга учирмоқ. У *[деҳқон] молини сотмади — сувга оқизди. Йўқ, сувга оқизгандан баттар бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Сувга тушган нондек бўшашмоқ** Жуда ҳам бўшашиб кетмоқ, ҳовридан тушмоқ. *[Отабек] Сувга тушган нондек бўкиб, бўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқлигига ҳам тушунмай кета берадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Сувга тушса, қуруқ чиқадиган** Жуда қув, айёр, ҳар қандай мушкул вазиятдан сип-силлиқ қутулиб чиқадиган. **Сувга уриб кетмоқ** Зим-зиё бўлиб кетмоқ, бедарак йўқ бўлмоқ, йўққа чиқмоқ. *Дунёдан умиди бўлмаган одамда дид ҳам, орзу-ҳавас ҳам сувга уриб кетар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Сувда маза бор, бунда маза йўқ** *кест.* Жуда бемаза нарса ҳақида. **Сувдай билмоқ** *(ёки* **ичмоқ, эзиб ичмоқ)** Жуда яхши билмоқ, чуқур, пухта билиб олмоқ, эгалламоқ. *[Эртўғон ота] Сув илмин сувдай ичган Дарёларнинг султони. Қирқ колхозга сув сурган Мироблирнинг полвони.* Қ. Муҳаммадий. **Сувдай сероб бўлинг** Ҳеч нарсадан камчилигингиз бўлмасин. **Тагига сув кетди** Таги, замири бўшашди. *Бойликнинг тагига сув кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тушингизни сувга айтинг** *қ.* **туш. Ўзини ўтга (ҳам), сувга (ҳам) урмоқ** *қ.* **ўт** I. **Ўт билан сувдек** Бирбири билан сира ҳам келиша олмайдиган даражада зид, қарама-карши, ит-мушук. *Илгарилари ўт билан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Қўлини совуқ сувга урмайди** *қ.* **қўл**. **Ғалвирни сувдан кўтармоқ** *қ.* **ғалвир.**

СУВАМОҚ 1 Лой, алебастр каби материаллар билан қоплаб силлиқламоқ; сувоқ қилмоқ. *Уйларни сувамоқ. Том сувамоқ.* ▬ *У [Толибжон] уйдалик пайтида ҳовлининг кемтикларини тузатади, лой қориб, деворларнинг нураган жойларини сувайди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Бўтабой баҳор ёмғирида нураган ўчоқни яхшилаб сувади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *кўчма салб.* Ошкор қилмай бекитиб, тўғрилаб юбормоқ, текисламоқ, хаспўшламоқ. *Камчиликларни суваб ўтмоқ.*

СУВАРАК *зоол.* Қора ёки тўқ қўнғир рангли, узун қилсимон мўйловли, ер юзида кенг тарқалган кемирувчи ҳашарот; таракан. *Ўзбекистонда суваракларнинг 30 га яқин тури, жумладан, хонадонларда 2 тури (сариқ суварак ва қора суварак) тарқалган.* «ЎзМЭ». *Бунақа кимсалар пана-пастқам ерларда кўзга ташланмай, ивирсиб юришаверади-да, бир пайт қарабсизки, суваракдек лоп этиб ёруғликка чиқиб олишади.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

СУВБУРГУТ Қарчиғайлар оиласига мансуб, дарё, денгиз ва кўл қирғоқларида яшовчи йиртқич қуш. *Ўзбекистонда оқ думли сувбургут ва узун думли сувбургут учрайди.* «ЎзМЭ».

СУВДОН 1 Қушларга сув бериладиган идиш. *Бедананинг сувдони. Сувдонларга сув қуймоқ.* ▬ *[Жўра] "Хайрият, тирик экансан", деди-да, сувдон билан дон соладиган синиқ товоқни олиб, ҳужрадан дон, ариқдан сув тўлдириб келиб, товуғининг олдига қўйди.* У. Назаров, Замон.

2 Ёнда олиб юриладиган сув идиш. *Бектемир сувдонни кўтариб, бир неча қултум ютди-да, яна пўки билан оғзини маҳкамлаб қўйди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Умуман, сув солиб қўйиладиган идиш. *-Сувдонни олиб, чўнтакларга озгинадан қаттиқ нон солволамиз, — деди у буйруқ оҳангида.* А. Обиджон, Эй, ёруғ дунё.

СУВЕНИР [*фр.* souvenir – хотира; ёдгорлик] Эсдалик учун бериладиган, бирон мамлакат, шаҳарга қилинган сафардан эсдалик бўлиб қолган ёки қоладиган бадиий ҳунармандлик буюми, совға. *Сувенирлар магазини. Сувенир олмоқ.* ▬ *Галина Васильевна сувенир фигураларнинг нодир коллекциясини яратди.* Газетадан.

СУВЕРЕН I [*фр.* souverain – олий] Халқаро ҳуқуқда: мустақил олий ҳокимият эгаси.

СУВЕРЕН II **1** Суверенитетга, мустақилликка эга бўлган; эркин, ҳур; мустақил. *Суверен давлат.* ▬ *Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат суверенитети масаласига алоҳида боб ажратилган бўлиб, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика» дейилган.* «Мустақиллик» луғати.

2 Олий ҳокимиятни амалга оширувчи.

СУВЕРЕНИТЕТ [*фр.* souverainete – олий ҳокимият] Халқаро ҳуқуқда: давлатнинг ички ишларни олиб боришда ва ташқи муносабатларда бошқа давлатлардан тўла мустақиллиги. *Давлат суверенитети. Миллат суверенитети.* ▬ *Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат суверенитети алоҳида бобда ўз ифодасини топган.* «ЎзМЭ».

СУВЕРЕНЛИК *айн.* **мустақиллик.**

СУВИЛОН *зоол.* Ерда, дарахтда, сувда, сув бўйида яшовчи, узунлиги ва ранги ҳар хил, ер юзида кенг тарқалган илон тури. *Сувилоннинг 10 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.* «ЎзМЭ».

СУВЛАМОҚ 1 Сув билан ҳўлламоқ, намламоқ. *Латтани сувлаб, этик артмоқ.*

2 *шв.* Сув ичмоқ. *Булар шу Чилбир чўлида, Ойна кўлида қўниб, сувлаб, моллари ўтлаб ётаверсин.* «Алпомиш». *Бу булоқдан ўнлаб қишлоқлар сувлайди.* «Ёшлик».

СУВЛАНМОҚ 1 Сувламоқ 1 фл. мажҳ. н. *Сувланган латта.*

2 Сув очмоқ, сув олмоқ. *Гулноз [олмани].. ғарчиллатиб тишлади – нордонгина экан, оғзи сувланиб, кўзи чарақлади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар..

СУВЛАТМОҚ 1 Сувламоқ фл. орт. н.

2 *шв.* Суғормоқ, сув бермоқ (ҳайвон ва паррандаларга). *Ўшанда Эрназар полвон отини сойдан сувлатиб қайтаётган эди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Эшакларни галма-гал миниб, пастдаги булоқдан сувлатиб келдик.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

СУВЛИ 1 Ичида суви бор. *Сувли идиш.* ▬ *Ортиқ ўриндиқ тагидан сувли мешни тортиб олиб, кўринарли ерга қўяркан, бир чеккада гарангсиб турган Зулхуморга пичинг қилди.* М. Мансуров, Ёмби. *Осмондаги ой бўлсам, Тиниқ сувли сой бўлсам, Севган ёрнинг кўксинда Кеча-кундуз жой бўлсам.* «Қўшиқлар».

2 Таркибида суви бўлган. *Сувли эритма.*

3 Суви, шираси кўп, серсув, сершира. *Сувли шафтоли. Сувли мевалар.*

4 Сув билан таъмин этилган, сув бор бўлган. *Сувли ерлар.* ▬ *Ўтли, сувли яйловимнинг йўли олис, Ўлан бўлса, айтишайлик бизлар холис.* «Қўшиқлар».

СУВЛИК Сув ҳавзалари, денгиз, океан кабиларнинг жами. *Ер юзасининг учдан икки қисмидан кўпроғини сувлик – денгиз ва океанлар қоплаган.* «Фан ва турмуш».

СУВЛИҚ *с. т.* Сувлуқ. *Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, От бошига иш тушса, сувлиқ билан сув кечар.* Мақол. ▬ *Ферузнинг оппоқ самани тилла сувлиғини чайнаб, пишқириб бормоқда.* С. Сиёев, Аваз. *Сувлиқ тишлаб араб оти, Белида кескир пўлати, Яқин қолди Чамбил юрти, Бораётир валламати.* «Гулшанбоғ».

СУВЛОҚ Дарё ва умуман сув ҳавзаларининг ҳайвонлар, моллар сув ичадиган жойи. *Молларни сувлоқда суғормоқ.* ▬ *Улар [турналар] гоҳо сувлоққа бориб чўмилгандан кейин ҳам илиқ қумлоқда туриб, патларини шу хилда қуритишар эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Ой синиғи тўла сувлоққа Шаршарадай қуйилган ёллар. Бу ёлларни силар меҳрибон Шаббодалар – маъюс аёллар.* Ш. Раҳмон, Уйғоқ тоғлар.

СУВЛУҚ Юганнинг от оғзига солинадиган металл қисми. *Сувлуғини чайнатиб, Йўлда отни ўйнатиб, Чўлда кетиб боради Бир қаландар йўл тортиб.* «Нурали». *От сувлуғини чайнаб, бекни опқочиб келяпти.* «Гўрўғлининг туғилиши».

Оғзига сувлуқ солиб олмоқ Жиловлаб олмоқ, бўйсундирмоқ. *Оғзига сувлуқ солиб олганимдан сўнг, измимга юрмай кўрсин-чи!* С. Анорбоев, Оқсой.

СУВОРА [*ф.* سواره – отлиқ; от-уловга минган ҳолда] *мус.* **1** Шашмақомнинг Буз-

рук мақоми асосида яратилган куй ва ашулалар. *Суворанинг яна уч хили — машҳур чолғу куйларидир.* «ЎзМЭ».

2 Хоразмдаги машҳур мақом ашула йўллари ва мумтоз ашулалар туркуми. *Суворалар шеърий матнида кўпроқ тасаввуф мавзуидаги мухаммаслар қўлланган.* «ЎзМЭ».

СУВОРИ [*ф.* سوارى – отда, от-уловда юриш; салт (миниладиган) от] От минган киши; отлиқ аскар. *Икки суворининг қора шарпаси Ҳамон келаберди Телбасой сари.* А. Мухтор, Асарлар. *Алим бува билан Ҳасан сўфи дарров пастга қарашди. У ерда, оломон орасида, бир неча сувори отлардан тушаётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СУВОРИЙ *айн.* **сувори.** *Қора Бахмал итоат қилишга мажбур эди. Эгардаги суворий жиловни қаёққа тортса, ўша томонга йўл соларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Тилмоч ўнг қўлини кўтариб, енгил бир ишора қилди, хезланиб турган суворийлар отларидан кетма-кет сакраб тушишди-ю, ўзларини қабила аъзолари устига отишди.* Газетадан.

СУВОСТИ 1 Сув остида қилинадиган, бажариладиган, сув остида мавжуд бўлган. *Сувости спорти. Сувости телевидениеси. Сувости тизмалари.*

2 Сув остида ҳаракатланадиган (кема ҳақида). *Сувости кемасини қуриш 17-асрдан бошланди.* «ЎзМЭ».

СУВОТ *шв.* Мол, от суғориладиган ёки ювиладиган жой. *От сувот.* ▬ *Қўзиларни тушда сувотга олиб бориб ювамиз.* Н. Фозилов, Иншо.

СУВОҚ Суваш ва унинг натижасида ҳосил бўлган қатлам. *Лой сувоқ. Сомон сувоқ. Сувоқ қилмоқ.* ▬ *Четроқда, қари тол остида, сувоқлари кўчиб ётган баланд лой супа.* «Ёшлик». *Тўкилади девордан сувоқ, Ғижиллайди саҳарда эшик.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

СУВОҚЛИ Сувоғи бор, сувалган. *Сомон сувоқли айвон деворидаги катта михга илинган эски радиорепродуктор ҳам гўё мудроқ бир алфозда хирилларди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СУВОҚСИЗ Сувоғи йўқ, сувалмаган. *Сувоқсиз уй.* ▬ *Мана шофёр кўрсатган уй: хом ғиштдан қурилиб, деворлари сувоқсиз, томи чала ёпилган.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

СУВОҚЧИ Сувоқ қилувчи уста. *Сувоқчи йигит. Ямоқчининг ишини сувоқчи билмас.* Мақол. ▬ *Эргаш.. бир камбағал сувоқчининг ўғли бўлиб, катта бир бойнинг молларини боқаркан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СУВОҚЧИЛИК Сувоқчи касби. *Сувоқчилик қилмоқ. Сувоқчиликни ўрганмоқ.* ▬ *Исломжонга сувоқчилик ота касб.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

СУВПИЁЗ Серсув, ботқоқли жойларда ўсадиган ўсимлик.

СУВРАНГ Тоғ-адирларда ўсадиган кўп йиллик қиёқсимон ўт.

СУВСАМОҚ Сувга ташна бўлмоқ, чанқамоқ, чўлламоқ. *Қизни сўраганга бер, Қимизни — сувсаганга.* Мақол. ▬ *-Танидинга, жонивор, — деди Суяркул хаёлан сигирга мурожаат қилиб. — Қорнинг очдими, сувсаб кетгандирсан?* А. Кўчимов, Халқа. *Кал кетаверди, кетаверди, ҳориб, сувсаб, очқаб, бошини бир жойга қўйиб ётди.* «Эртаклар».

СУВСАР Қимматбаҳо, қалин ва юмшоқ мўйнали йиртқич сутэмизувчилар оиласининг бир тури ва унинг мўйнаси. *Сувсар териси.* ▬ *Сувсарлар қимматли мўйнаси учун овланади, бир қанча турлари мўйначилик фермаларида боқилади.* «ЎзМЭ».

Тош сувсар Сувсарнинг тоғли жойларда яшайдиган тури.

2 Шу ҳайвоннинг майин бароқ териси. *Сувсар телпак.* ▬ *[Савдогарлар] Ёш кийик мугузлари, боғлам-боғлам сувсар терилар.. ва бошқа нарсаларни олиб кира бошладилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

СУВСИЗ 1 Ичида суви йўқ. *Сувсиз идиш.*

2 Таркибида суви йўқ. *Сувсиз кислота.*

3 Сув билан таъмин этилмаган, сув чиқарилмаган. *Сувсиз ерда тол бўлмас.* Мақол. ▬ *Булар сувсиз чўлдан ўтиб, Бораётир йўллар тортиб.* «Маликаи айёр». *Дайди шамол чангли, дағал япроқларни, сувсиз ариқ ёқаларидаги кир, сарғайган ажриқларни титкилаб, мунгли шовуллади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

4 Суви, шираси кам. *Сувсиз беҳи.*

СУВСИЗЛИК 1 Сувга ташналик, чанқашлик. *Ортиқ, сувсизлик юрак-бағрини ўртаб, иссиққа чидамай, юлғун тагига сурилади, бошини сояга олиб, қўлларини қумга тиқиб, салқин излайди.* М. Мансуров, Ёмби. *Қипқизил қумда пиёда юриб, очликда, сувсизликда овора бўлиб, икковинг ҳам ўласан.* «Маликаи айёр».

2 Сув танқислиги, етишмаслиги. *Миллий матбуот марказида Орол денгизи ҳамда сувсизлик каби асосий масалаларни муҳокама қилишди.* Газетадан.

СУВСИРАМОҚ Сувга жуда ҳам ташна бўлмоқ, сувга ташналикдан қуришмоқ, қақрамоқ. *Сувсираган ғўзалар.*

СУВСОҚ Сувга ташна, сувсираган, чанқоқ. *Сувсоқ ерлар. Сувсоқ ғўзалар. Сувсоқнинг ўйи — сувда.* Мақол. ■ *[Тўғонбек] Осиё чўлларининг жаҳаннам ёнғинига, қум тўлқинларига чидаш бериб, оч, сувсоқ кезишни машаққат ҳисобламас эди.* Ойбек, Навоий.

СУВСОҚЛИК Сувга ташна бўлишлик.

СУВХЎР Сувни кўп ичадиган. *Сувхўр мол.*

СУВЧЕЧАК *тиб.* Температура кўтарилиши, тери ва шиллиқ қаватларга пуфакчалар тошиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик. *Сувчечак тошмаси баданнинг ҳамма қисмига бир вақтда эмас, балки 1—2 кун оралатиб тошади.* «ЎзМЭ».

СУВЧИ 1 *қ. х.* Экинларни, хусусан, ғўзаларни суғорувчи деҳқон, суғориш бўйича мутахассис. *Моҳир сувчи.* ■ *Сувчи, теримчи ёки механизатор чанқаб бораётганда, олдида калладай қовун ёки тарвуз дўппайиб кўринса, чанқоқбости қилади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Ҳув юқорироқда, дарёнинг ёқасида бир қора кўринди. «Бул ўтинчими, сувчими, бундан бир савол сўрайин», деб Авазхон бурилиб борди.* «Гулшанбоғ».

2 Сув келтирувчи, сув билан таъмин этиб турувчи ходим (мас., тракторчилар бригадасида).

3 *тар.* Сув ташиб бериш, сув билан таъминлаш ишларини бажарувчи киши. *Бухорода эса сувчини мешкобчи деб аташган.* «ЎзМЭ».

4 Сув сотувчи.

СУВЧИЛИК Экинларни суғориш билан шуғулланиш; сувчи касби. *Сувчилик қилмоқ.* ■ *У [Тожиддин] сувчиликнинг сувини ичиб юрган одам.* А. Абдукаримов, Чўл бургути.

СУВЎТ Содда тузилган ва асосан сувли муҳитда ўсадиган турли ўтларнинг умумий номи. *Қизил сувўтлар. Яшил сувўтлар.* ■ *Аёллар ва болалар ихтиёрида қолган экинзорлар чуқур, яхши ишланмаганидан ёввойилашиб, ҳамма ёқни шўра, ғумай, сувўт, тикан босиб кетган.* С. Нуров, Нарвон. *Сувўтлар энг қадимги организмлар бўлиб, улардан бошқа ўсимликлар келиб чиққан.* «ЎзМЭ».

СУВҚОВОҚ 1 Ичи ўйиб ташланиб, қобиғидан идиш сифатида фойдаланиладиган қовоқ. *Нимтатир шабада, шабнам, бедана, Чайлага ўрмалаб чиққан сувқовоқ.* Ғ. Ғулом.

2 Шундай қовоқ қобиғидан ясалган, сув, дон сақланадиган идиш. *Унда [чайлада] яқинда.. Суюм оға ўзи орқалаб келган ола хуржун, бир чети синиқ сопол коса, сувқовоқ турарди.* Н. Фозилов, Оқим.

СУВҚОҒОЗ 1 Кунга, ёруққа солганда, ичида сурати кўринадиган шаффоф қоғоз. *Каримов юпқа сувқоғозга машинкада босилган узундан-узоқ хатни синчиклаб ўқий бошлади.* Ҳ. Шамс, Душман. *[Яхшибоев] Сандиқдан кўнгли тўқ эди. Шунчаки сувқоғознинг бармоқлар орасида шитирлашига қулоқ тутди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *с.т.* Полиэтилен ёки целлофандан тайёрланган ўров материали, халта. *Комил сувқоғоз ичидан бир бурда нон олиб, дераза олдига борди.* «Ёшлик».

СУД I [*қад. р.* судь — иш; ҳукм] **1** Муайян фуқаровий (айрим шахслар ёки муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги, шахслар билан муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги) низоларни ҳал қилувчи ҳамда жиноий ишларни кўриб чиқувчи — одил судловни амалга оширувчи давлат органи. *Халқ суди. Суд қарори. Суд ҳукми. Суд органлари. Судга бермоқ. Суд тизими.* ■ *[Қосимжон:] Ўртоқлар, олиб боринглар буларни, адолат судига топширинглар! Тегишли жазосини кўрсин.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 Шундай орган жойлашган бино, хона, жой. *Суд эшигининг олдида ўтирганларнинг кўпчилиги ёшлар.* Газетадан.

3 Шундай орган ходимлари ёки судьялар ҳайъати. *Суд мажлиси.* ■ *Суднинг саволига жавобан Сидиқжон ўн бир гувоҳнинг номини айтганда, Шарофат рўмолининг учини тишлаб, донг қотиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Фуқаровий ёки жиноий ишнинг шундай органда кўрилиши. *Судда ютиб чиқмоқ.* ■ *Суд муҳокамаси вақтида суднинг чиқарган ҳар бир ажрими дарҳол эълон қилиниши керак.* «ЎзМЭ». *Суд ўн бешинчи майда бўлиши керак эди. Шу куни Сидиқжон судда нима дейишдан ҳам кўра Шарофатга рўпара бўлишни кўпроқ ўйлаб, хўп ясанди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СУД II [*ф.* سود – фойда, даромад; фоиз] **1** *эск.* Фойда, наф. *Энди суд қилмасдир ғаму ҳасратинг, Билгин, йўлдош бўлди доғу кулфатинг.* «Эрали ва Шерали».

2 Судхўрлар томонидан қарзга берилган пул эвазига олинадиган фоиз.

СУДБОЗ [суд I + *ф.* باز – ўйновчи; бирор нарса ишқибози] *с. т.* Бўлар-бўлмас ишлар билан судга мурожаат қилаверадиган, судбозликни, судлашишни яхши кўрадиган; қозибоз. *Судбоз одам.*

СУДБОЗЛИК *с. т.* Бўлар-бўлмас ишлар билан судга мурожаат қилавериш, судлашиш; қозибозлик. *Судбозлик қилиб юрмоқ.*

СУДЛАМОҚ Белгиланган тартибда фуқаровий ёки жиноий ишни судда кўрмоқ; суд қилмоқ.

СУДЛАНГАНЛИК *ҳуқ.* Шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат: суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганлик. *Судланганлик айблов ҳукми кучга кирган кундан бошланади.* «ЎзМЭ».

СУДЛАНМОҚ Суд қилинмоқ; судда жиноий жавобгарликка тортилмоқ.

СУДЛАНУВЧИ 1 Судланмоқ фл. сфдш.

2 *ҳуқ.* Судга берилган айбланувчи; судда иши кўрилаётган шахс. *[Суд жараёнида] Айбланувчи, судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.* «ЎзМЭ».

СУДЛАШМОҚ Суд орқали даъволашмоқ, даъволашиб, бир-бирини судга бермоқ. *Ер тўғрисида бир чатоқ одам билан судлашиб юрган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Қаршибой] Бир парча гўшт бўлиб дунёга келганидан бери иссиқ бағрида иситиб ўстирган отасини судлашиш даражасигача етказди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

СУДЛОВ Маълум тартибда фуқаровий ёки жиноий ишни судда кўриш; шундай ишларнинг судда кўрилиши. *Одил судлов. Судловнинг ошкоралиги.*

СУДМАНД [*ф.* سودمند – фойдали, даромадли] *эск.* Фойда келтирадиган, фойдали, нафли.

СУДРАЛМОҚ 1 Судрамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 *кўчма* Орқада қолмоқ, кечикмоқ, чўзилмоқ. *Ишнинг судралиши. Қурилишнинг судралиши.* ▬ *Колхоз тинчишга тинчиди-ю, кўклам иши ниҳоятда судралди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Имиллаб юрмоқ, секин бормоқ; имиллаб юриб ёки сусткашлик қилиб, кейинда қолмоқ. *Охирги ўринда судралиб бормоқ.* ▬ *[Мели полвон] Ҳамманинг астойдил кетмон ураётганини кўриб, мамнун бўлди. Энг четдаги Мўмин қийшиқнинг судралаётгани унинг ғашига тегди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чанг ва шовқин орасида аста судралган ҳорғин граждан аҳоли: аёллар, болалар, чоллар ҳам кўп эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Судралиб юрувчилар *айн.* **судралувчилар** *қ.* **судралувчи 2**. *Гавдаси ерда судралиб юрганлиги учун, калтакесак ва унга ўхшаш ҳайвонлар судралиб юрувчилар деб аталади.* «Зоология».

СУДРАЛУВЧИ 1 Судралмоқ фл. сфдш.

2 (*асосан кўпл. шаклда*) Асосан ер бағирлаб ўрмалаб (судралиб) ёки қорни билан сургалиб ҳаракатланадиган умуртқали ҳайвонлар синфи (илон, калтакесак, тимсоҳ, тошбақа).

СУДРАМОҚ 1 Ердан узмай, кўтармай сирпантириб тортмоқ, сургамоқ. *Ходаларни судрамоқ. Этакларини ерда судраб юрмоқ.* ▬ *Қиш суви қўйилган катта пайкал музлигида икки қора кўринди. Бу муз устида бир-бирини судраб, сирғанчиқ учаётган болалар эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Заргаров қумда этигини судраб.. трассанинг охирроғига етганда, нақ қулоғининг тагида қаттиқ занг чалинди.* А. Мухтор, Асарлар. *[Искандар] Ёмбини апил-тапил қопчиққа жойлаб, нарида ётган кичкина замбилни судраб келди.* М. Мансуров, Ёмби.

Оёғини судраб босмоқ (*ёки* **юрмоқ**) Оёғини зўр-базўр босиб, секин-аста юрмоқ, судралмоқ. *Оёғини судраб, яна Боғчадарвоза томон борар экан, «Шоири замон қаерда бўлди экан-а?» деб хаёлланди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Зўр билан бирор томонга тортмоқ, ундамоқ. *Бошим қотиб, райондаги чойхонада чой ичиб ўтирсам, Матқовул пайдо бўлди. Мени уйига судровди, бормадим.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Дод-фарёдимга қулоқ солмай, дадам қўлимдан судраб, уйга олиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *с. т.* Амал-тақал қилиб кийиб юрмоқ. *Ўзингиз биласиз, тўрт йилдан бери бу ерда ишлайман, тиним йўқ, ишдан бошим чиқмайди. Лекин ҳали ҳам бир чопоним икки бўлмади. Ҳали ҳам қиш-ёз битта чориқни судрайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Пайсалга солиб ёки сусткашлик қилиб, орқага чўзмоқ, кечиктирмоқ. *Ишни судрамоқ.*

СУДРАТМА 1 Тортиб, судраб юриладиган; тиркама. *Судратма арава.*

2 *тар.* Одамга сиртмоқ солиб, отда судраш йўли билан жазолаш, қатл қилиш усули. *Ўғри энди мени отига судратма қилмоқчи бўлди.* «Ёшлик». *Тошкент оломонининг талаблари билан Азизбекнинг икки оёғидан арқон билан боғлаб, отнинг човига судратма қилдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СУДРАШМОҚ 1 Судрамоқ фл. бирг. н. *Семён билан Лўли.. мени судрашмади-ю, икки билагимдан маҳкам ушлашди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Бир-бирини судраб, биргалашиб юрмоқ; бирга санғимоқ, дайдимоқ. *Эланганга, ёлборганга бўлмади, Уларман [улар билан] судрашиб юрган кунларим.* «Фольклор».

СУДХЎР [*ф.* سودخور – фойдахўр, фойда олувчи] **1** Пул қарз бериб, фоизи, фойдаси ҳисобига бойлик орттирувчи шахс. *1919–1920 йилларда Сурхон воҳасининг энг катта судхўр бойи Суюн Пинхос ўғли эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Кўп ҳолларда қарздорлар қарзни ўз вақтида уза олмай, еридан, уй-жойидан, мол-мулкидан ажралиб, хонавайрон бўлган, судхўрлар эса бойиб кетган.* «ЎзМЭ».

СУДХЎРЛИК Оғир шартлар билан қарз бериб, фойда олинадиган фаолият. *Судхўрлик қилмоқ.* ▬ *Судхўрликда қарзни қайтариш муҳлати, тўпланадиган фоиз миқдори оғзаки келишув ёки тилхат билан расмийлаштирилган.* «ЎзМЭ».

СУДЬЯ [«суд» с. дан] **1** Суд органларида судга тушган ишларни кўрувчи ва шу ишлар бўйича ҳукм чиқарувчи лавозимли шахс. *Судьядан муайян суд ишларининг моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни.. талаб қилиш тақиқланади.* «ЎзМЭ».

2 Спорт ўйинларида, мусобақаларида: ўйин қоидаларига риоя қилинишини кузатиб борувчи ва юзага келган низоларни ҳал қилувчи шахс; ҳакам, арбитр.

СУДЬЯЛИК Судья касби. *Судьялик қилмоқ. Судьяликка сайламоқ.*

СУЁҒЛИҚ Суяб қўйилган, суялган, суянган. *-Мана ҳассангиз, – Шер каравотнинг оёқ томонида суёғлиқ турган ҳассани олиб, бобосига берди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Аъзамжон ҳаяжонда қандай қилиб уйга кирганини, қандай қилиб деворга суёғлиқ турган мотоциклни етаклаб чиққанини билмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

СУЖУД *дин.* [*а.* سجود –«сажда» с. кўпл.] Сажда, ибодат. *[Домулла:] Хуллас, бизни ҳам бир оз хотиржам қилинг. Аниқ хабарми шу? Рукуъ, сужудда ҳам хаёлимиз паришон бўлди-да.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Руҳимда ҳам ишқдир, вужудимда – ишқ, Осийлигимда ҳам, сужудимда – ишқ. Ёр, менга қисматдан омонлик тила, Ки менинг барбоду мавжудимда – ишқ.* Газетадан.

СУЗАҒОН I Тез ва яхши сузадиган, сузишга уста. *Сузағон бола.*

СУЗАҒОН II Дуч келганни сузаверадиган; сузонғич, асов. *Сутсиз сигир сузағон бўлар.* Мақол. ▬ *У [Полвон ота] моллардан қайсиси сузағон-у, қайсиси қочағон.. бир қарашдаёқ пайқарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

СУЗГИЧ I Суюқликларни турли хил механик аралашмалардан тозаловчи асбоб, мослама; фильтр. *Сутни сузгичдан ўтказмоқ.* ▬ *Янтоқдан тайёрланган дамлама сузгичдан ўтказиб олинади ва ваннада чўмилганда ишлатилади.* «Фан ва турмуш».

СУЗГИЧ II **1** Сув юзида ва умуман суюқлик бетида сузувчи, турли мақсадлар учун белгиланган енгил нарса, деталь; қалқович. *Қармоқ сузгичи. Карбюратор сузгичи. Сув йўлини кўрсатувчи сузгичлар.*

2 Балиқ ва б. сув ҳайвонларининг сувда сузиш (ҳаракат қилиш) аъзоси. *Балиқнинг қуйруқ сузгичи.*

СУЗГИЧ III Сув бетида жуда тез сузиб юрадиган қўнғизсимон ҳашарот, сув қўнғизи. *Сув ниҳоятда соф; офтоб нурида живир-живир товланувчи майда шағал юзида кичкина балиқлар сайр қилади, ғир-ғир сузгичлар айланади.* Ҳ. Аҳмар, Ким хақ?

СУЗГИЧЛИ Сузгичи бўлган, сузгичи бор. *Сузгичли жониворлар. Сузгичли камера. Пўкак сузгичли қармоқ.*

СУЗГУН *айн.* **сузук.** *Сузгун кўзлар.* ▬ *Қора, ўсиқ киприклари остида сузгун Машъал каби порлар бир жуфт чағир сурма кўз.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Тўлин ойнинг сузгун боққан чоғи, Яшил атлас қирлар уйқуда.* Миртемир, Асарлар.

СУЗИЛМОҚ 1 Сузмоқ I фл. мажҳ. н. *[Хотин] Уйга бир-икки қатнаб, сузилган*

шўрваларни ташиб битиргач, уйнинг эшигини беклади-да, кириб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Биз лойқа сув ичмаймиз ҳовуз, ариқ, анҳордан.. Шишадек тозаланган, сузилиб сув омбордан..* Қ. Муҳаммадий.

2 Эскириб, тўзиб йиртила бошламоқ; ситилмоқ. *Битта пишиқроқ кўйлак ҳам олсанг буларди ўзингга.. анов ювилган кўйлагингнинг елкалари сузилиб қопти.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Андиша ёки ноз билан ўзини сиполикка солиб, тортиниб турмоқ. *Бир оздан сўнг, яна ғалаба нашъасидан сузилаётган хумор кўзларини бир оз қисиб, кулумсираганча гапида давом этди: -Мен хиёнатинг учун сендан қасос олмоқчи эдим.* «Ёшлик».

Кўзи сузилди 1) уйқу босиб ёки хумор тутиб, кўзи қисилди. *Қиз яна анчагача хаёл суриб ётди. Ниҳоят, бу кунги серҳаяжон воқеалар анча чарчатган эканми, кўзи сузилди.* Ф. Мусажонов, Ҳури; 2) ноз-ишва билан кўзлари ярим юмилди. *Ғунажиннинг кўзи сузилмаса, буқа ипини узмайди.* Мақол. ▬ *Зор инграб йиғларман, кўнглим бузилиб, Талпиниб келарман, кўзим сузилиб.* «Тоҳир ва Зуҳра».

СУЗМА Сурп халтага солиб, осиб қўйилган қатиқнинг зардоби сизигач ҳосил бўлган сут маҳсулоти. *Ёғли сузма. Сузма қурт. Сузма халта.* ▬ *Мурчни сузмага қўшиб ейилса, иштаҳани очади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Дастурхонда яна ўша қурт, сузма, сўк пайдо бўлди, салдан кейин эшикда бир гуруҳ қизлар кўринди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Назар пишиқ ўроғини сузма халта осилган тутга санчиб, хонага йўналди.* «Ёшлик».

СУЗМОҚ I **1** Сузгич ёки бошқа бирор нарса орқали ўтказиб, механик аралашмалардан тозаламоқ. *Бензинни машина бакига сузиб солмоқ.*

2 Суюқ нарсаларнинг керакли қисмини ажратиб олмоқ. *Сирка сузмоқ. Сузиб сутнинг қаймоғини олмоқ.* ▬ *У киши [бой] шўрвани пиширади, лекин мойини сузиб ичади, гўштини ейди, менга тақир суяк, бир коса жирсиз сув келтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тайёр овқат ёки ичимликни ейиладиган ёки ичиладиган идишларга тақсимлаб солмоқ. ▬ *Палов сузилиб, Нусратбек икки лаганни келтирганда, йигитлар Соҳиб аканинг елкасига туртишди.* С. Нуров, Нарвон. *Махсумов ҳаммага шўрва сузди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бир сиқимгина ош қилиб, сузиб олишга ҳайрон бўлиб ўтирган эдим.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Карталарни ўйновчиларга бўлиб бермоқ. *Карта сузмоқ.*

Кўз сузмоқ Ноз-ишва билан қарамоқ, кўзларини ярим юммоқ. *Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди.* Мақол. ▬ *Ёши қирқларга бориб қолган бўлса ҳам, икки бети қип-қизил.. жория бўш халтани ноибнинг қўлидан оларкан, қоп-қора кўзларини алланечук сузиб, ғамзали бир оҳангда: -Бизга-чи, бегим? — деб сўради.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

СУЗМОҚ II **1** Қўл-оёқ ёки сузгичларини қимирлатиб, сувда турмоқ ёки бирор йўналишда ҳаракат қилмоқ. *Қулоч отиб сузмоқ. Қурбақача сузмоқ. Чалқанчасига сузмоқ.* ▬ *Терак тагидан шолипоя бўйлаб йўл бор. Чирчиққа тик чиқади. Дарёдан сузиб ўтамиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Балиқ сувда сузади, сувда ухлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сув транспорти воситаларида юрмоқ, сайр ёки сафар қилмоқ. *Қайиқда сузмоқ. Кемада сузиб, денгиздан ўтмоқ.*

3 Суюқлик ёки газ бетида қалқиб турмоқ ёки оқмоқ. *Итарувчи куч жисм оғирлигига тенг бўлганда, жисм суюқликнинг юзида ёки ичида сузиб юради.* «Физика». *Бу «Волга» ҳам тун оғушида, худди сувда сузиб бораётган кемадек, аста-секин узоқлашди..* «Ёшлик». *Эскидан сақланиб қолган ёдгорлик — оққушлар сузиб юрган кўллару дарахт тагида най чалиб ўтирган йигит-қизларнинг суратлари.* М. М. Дўст, Лолазор.

4 *кўчма* Бир маромда бир тарафга қараб ҳаракат қилмоқ, кезмоқ, оқмоқ. *Домла кўзларини ишқаб, атрофга қайта тикилди-ю, қандайдир баҳайбат қушларнинг қумда оҳиста сузиб юрган сояларини кўриб, беихтиёр тепага қаради.* М. Мансуров, Ёмби. *Самода эса ҳеч кимга кераксиз ғариб ой мунғайиб сузарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *..пуштиранг улкан булут самонинг қоқ ўртасида сузиб бориб, рўпарадаги қўшнининг пастак, лойшувоқ томига.. юпқа ва шаффоф соя ташлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СУЗМОҚ III Шохи билан урмоқ, шохини санчмоқ. *Эчкининг ажали етса, қассобни сузар.* Мақол. ▬ *Ҳа, асов сигирнинг*

феълини билмасанг, олдига йўлатмайди — сузади, тепади, сут бермайди. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

Ер сузмоқ Ерга тикилиб қолмоқ, ердан кўзни узмай ўтирмоқ ёки бормоқ. *Дилдор Низомжонни кўриб, секин шийпондан тушида, ер сузганча ариқ томонга ўтиб кетмоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Пул(ни) сузиб олади** Ердан супуриб олгандай пул топади, катта пул, фойда олади. *Шу давр ичида қўшмачи ҳожи пулни сузиб олди_— шинам ҳужрасидан меҳмон аримади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СУЗОНҒИЧ *айн.* **сузағон** II. *Сузонғич сигир.* ▬ *[Пайғамов:] Нодонни сийласанг, чориғи билан тўрга чиқади. Илмий ходим, деб сузонғич ҳўкиз олиб келган эканмиз.* С. Нуров, Нарвон.

СУЗУВЧИ I **Сузмоқ** I фл. сфдш. *Овқат сузувчи. Карта сузувчи.*

СУЗУВЧИ II **Сузмоқ** II фл. сфдш. *Сузувчилар мусобақаси.* ▬ *Сув полоси бўйича машҳур сузувчи А. Зулфиддинов муддатидан олдин чемпионлик нормативини бажариб бўлди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

СУЗУК Уйқусираб, хумор тутиб ёки нозишва билан қисилган, юмилинқираган, хумор (кўз ҳақида). *-Вой, эсим қурсин! — деди [Лобар], эрига сузук шаҳло кўзлари билан кулиб қараркан.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Қўлимда энг қиммат узугим бўлса, Ундан ҳам қимматли кўзи сузугим.* Ғ. Ғулом.

СУИИСТЕЪМОЛ [*а.* سؤالاستعمال — нотўрин, нотўғри ишлатиш, ўз манфаати учун фойдаланиш] Бирор нарсадан, мас., амал, бойликдан ўз манфаати учун йўл қўйилганидан ортиқча фойдаланиш. *Сиз менинг меҳримни суиистеъмол қиляпсиз.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Терговчи очиққина йигит экан, кўнглидагини шундоқ айтиб қўя қолди: мансабини суиистеъмол қилган деган гумонимиз бор.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

СУИҚАСД [*а.* سؤالقصد — ёмон ният] Бирор кимсани йўқ қилиш, ўлдириш учун қасддан қилинган ҳаракат, қасд. *Суиқасднинг олдини олмоқ. Суиқасд қилмоқ. Суиқасд йўлига ўтмоқ.* ▬ *Ёмонлар суиқасдидан саломат қутулишингиз муборак бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тайёрланган суиқасддан у бехабар бўлишиям мумкин.* «Ёшлик».

СУИҚАСДЧИ Суиқасд қилган ёки суиқасд йўлини тутган киши.

СУЙКАЛМОҚ **Суйкамоқ** **1** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Деворга суйкалмоқ.*

2 Суянмоқ; бир-бирига тегмоқ.

3 Эркаланиб ёпишмоқ.

4 *кўчма* Яқинлашмоқ; яқин муносабатда бўлишга ҳаракат қилмоқ. *Суймаганга суйкалма.* Мақол. ▬ *Хотин имласа бас, не-не ёш эркаклар суйкалиб келган бўларди. Яхшибоевнинг ўлигини ўртага тиқиб, ғийбат урчитишга ҳеч ҳожат қолмасди.* М. М. Дўст, Лолазор.

СУЙКАМОҚ Суркамоқ, суртмоқ. *Бўёқни суйкамоқ. Бетига атир-упа суйкамоқ.*

СУЙКАНМОҚ **1** **Суйкамоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 Яқинлашмоқ суркалмоқ. *Ёмонга суйкансанг, доғи юқар, Деворга суйкансанг — тупроғи.* «Қанотли сўзлар».

СУЙМОҚ *с. т.* **1** Яхши кўрмоқ, севмоқ. *Ҳақ суйган ишни халқ суяр.* Мақол. *Сулув — сулув эмас, Суйган — сулув.* Мақол.

2 Эркаламоқ, эркалатмоқ. *-Мениям шу мактабда.. ўқитасизми? -Албатта, албатта, — деди Элмурод қизни суйиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Иқи суймаслик Ёқтирмаслик. *Индамаган одамларни иқим суймас кўп..* «Ёшлик».

СУЙРИ Ташқи шакли балиқ сирти сингари секин-аста, равон ўзгариб борадиган, ўз ҳаракатида муҳитнинг энг кам қаршилигига учрайдиган. *Суйри вагон. Суйри қанотлар (авиа.).* ▬ *-Оқ-қизғиш ёноқларида майда кулгичлар. Бурни суйри бўлиб борган-у, учи бир оз эгилиб, эркакча "қушбурун" бўлиб қолган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СУКУН [*а.* سكون — ҳаракатсизлик, тинчлик; сокинлик, жимлик] Араб ёзувида: ёпиқ бўғин охиридаги ундош устига қўйиладиган диакритик белги (шу ундошдан кейин унли келмаслигини билдиради).

СУКУНАТ [*а.* سكونت — сокинлик, жимжитлик] **1** Ҳеч қандай товушнинг йўқлиги; жимжитлик, сокинлик. *Сукунат масканисан, Кўм-кўк мусаффо само.* Газетадан. *Қўш от қўшилган арава шаҳар сукунатини бузиб, Рафинак томон елиб кетди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Сукут, сўзсизлик. *Ўртага нохуш сукунат чўкди.* «Шарқ юлдузи». *Сукунатни яна отанинг товуши бузди: -Ҳеч нарса деёлмайсан! Қайси юз билан гапирасан?!* «Ёшлик».

СУКУНАТЛИ Сукунатга чўккан, сукут босган, сокин, жимжит. *Сукунатли кеча.* ▬

Жўра қишлоққа етганда, қуёш ботиб, кечанинг сукунатли қора тўрлари дала устини қоплаган эди. Ҳ. Шамс, Душман.

СУКУТ [*а.* سکوت – жимжитлик; гапирмаслик; камгаплик] **1** Кимсадан ёки ҳеч кимдан чурқ этган товуш, садо чиқмай, жимлик ҳукм сурган ҳолат; сўзсизлик. *Сукут қилмоқ. Сукут сақламоқ. Сукутга кетмоқ (ботмоқ, чўммоқ). Сукут – аломати ризо.* Мақол. *Аҳмоққа жавоб – сукут.* Мақол. ▬ *Қизча болаларга хос қайсарлик билан бошини эгганича жим турар, унинг сукутида, бутун хатти-ҳаракатида нимагадир қарши сўзсиз исён бор эди.* «Ёшлик». *Сукут сақламоқ ҳамма вақт ҳам ақллиликдан дарак беравермайди, аммо билганингни шақиллаб гапира бериш – ўз обрўйингни пақирлаб тўкиш демак..* Мирмуҳсин, Умид.

2 *айн.* **сукунат 1.** *Тўрғайлар ухлашур ёвшан тагида, Дарё бўйларида – тўқайда сукут.* Миртемир, Асарлар. *Дунёда шундай қўшиқ борки, янграганда, олам бир дақиқа сукутга чўмади.* «Саодат».

СУКЧАК *кам қўлл. қ.* **сўкчак**.

СУЛАЙМОҚ Ҳолдан тойиб шалпайиб қолмоқ, шилқ этиб тушмоқ. *Очликдан сулаймоқ. Чарчаб сулайиб қолмоқ.* ▬ *Хон тарафдан.. ишбоши қилиб белгиланган саркорлар, [уларнинг} очлик дармонсизлигини ялқовлик ҳисоблаб.. сулайиб йиқилмагунча, кетмонни ташлатмас эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Очликдан кечгача сулайиб юрдим.* «Шарқ юлдузи».

СУЛГИ *шв.* Лунги, сочиқ. *Шабада эпкинидан сулги қимирлаб кетди.* «Афсунгарлар туҳфаси».

СУЛИ Бошоқдошларга мансуб, ем учун экиладиган ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи. *Отнинг охурида гулбеда, тўрвасида арпа, сули канда бўлмади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СУЛИШ *айн.* **сўлиш**. *Сулиш олмоқ.* ▬ *Шоир бир сулиш олиб, танбурни токчага тираб қўйди.* Ойбек, Навоий.

СУЛЛА *шв. айн.* **суллоҳ**. *Буни ҳайданг, бачағарни. Мулла деган сулла шу!* Ҳамза.

СУЛЛОҲ [*а.* سلاخ] Ўтакетган хира, сурбет, шилқим. *Балки сен ҳам ўғридирсан ё нокас, суллоҳ, Тургандирсан ношожждан бўйнингни буриб.* А. Орипов, Йиллар армони. *Қандай суллоҳ одам у? Ейдиганини еб кетди! Яна нима дейди?!* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

СУЛЛОҲЛИК Сурбетлик, шилқимлик, суллоҳ бўлишлик. *Суллоҳлик билан олмоқ. Суллоҳлик қилмоқ.*

СУЛОЛА [*а.* سلاله – насл, зот, зурриёт; авлод, болалар; уруғ, оила] **1** Бир авлоддан тарқалиб, ворислик, валиаҳдлик ҳуқуқига асосан бирин-кетин тахтга ўтирган подшоҳлар, амирлар, хонлар ва ш.к; династия. *Сомонийлар сулоласи. Ғазнавийлар сулоласи.* ▬ *Бадиуззамон, Темур сулоласига мансуб бир кўп шоҳлар, шаҳзодалар каби, шеърдан завқланар, ўзи ҳам гоҳо-гоҳо бирор нарса ёзиб қўярди.* Ойбек, Навоий.

2 Иш-фаолият анъаналарини, маҳорат сирларини давом эттирувчи авлод, насл. *Ҳиндистон кинематографиясининг довруғига довруқ қўшаётган санъаткорлар орасида Капурлар сулоласи алоҳида ажралиб туради.* Газетадан. *Унга [Тошпўлат отага] қарилик йўл бермади. Лекин фарзандининг фожиаси Ғозибой дарбозлар сулоласини давом этишдан тўхтатди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

СУЛС [*а.* ثلث – учдан бир қисм; хаттотлик ёзуви (ҳуснихат) тури] Араб ёзувидаги хат услубларидан бири; хаттотлик услуби. *Сулс дастлаб расмий ҳужжатларни ёзиш, кейинроқ Қуръон кўчиришда қўлланган.* «ЎзМЭ».

СУЛТОН [*а.* سلطان – олий ҳукмдор, подшо] **1** Мусулмон давлатларида амир, хон, шоҳлар унвони. *Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл.* Мақол. ▬ *Бу чоққача қанча замонлар ўтди, Қанча подшо, амир ҳам хонлар ўтди, Йўқ-юқа камбағал билан иши йўқ.. Ўз кайфини суриб султонлар ўтди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Жаҳонда энг кўп сармояга эга бўлган Бруней султони 1788 хонадан иборат бўлган саройда яшайди.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Ўзгалар ичида энг олдингиси, сараси; шоҳи. *Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун. Тамоми ҳусн элининг шоҳи – султон бир келиб кетсун.* Ҳамза. *Ман сизни биламан, олийжаноб, ҳар қандай майда гаплардан устун турадиган, кек сақламайдиган йигитсиз. Йигитларнинг султонисиз!* С. Нуров, Нарвон. *Жавоҳирлар султони – олмос фақатгина зебу зийнат бўлибгина қолмасдан, балки забардаст ҳамда нозик техника маҳсулоти ҳисобланади.* Газетадан.

3 Султон (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

СУЛТОНИ [*а.* سلطانى] Узум навларидан бирининг номи ва шу узумдан солинган майиз.

СУЛТОНЛИК 1 Султон, шоҳ бўлишлик.

2 Султон қўл остидаги давлат. *Туркия султонлиги.*

СУЛУВ Гўзал, чиройли, кўркам. *Сулув қиз. Сулув баҳор. Сулув – сулув эмас, суйган – сулув.* Мақол. ▬ *Қизилқумнинг қоқ ўртаси, Ўлтирардик овулда, Қимиз сузиб, ўртар сулув – Кўҳлик эди оҳудан.* Отаёр, Оқ фасл. *Нақадар сулувсан, нақадар инжу, Эй, сен шимол юртин чўнг ўрмонлари.* А. Орипов, Йиллар армони.

СУЛУК [*а.* سلوك – хатти-ҳаракат ва турмуш тарзи; йўл; хулқ, ахлоқ] *дин.* Соликнинг тариқат йўлини ўтиш жараёни; муриднинг руҳий-ахлоқий камолотга эришиш йўли. *Тасаввуфнинг амалий-ахлоқий сулуки.* ▬ *Қушларнинг Семурғни қидириб қилган фантастик сафари ва бу сафардаги кечинмалари ҳамда тортган азоб-уқубатлари риёзат ва сулук йўлининг рамзий ифодасидир.* «ЎТА».

СУЛУКАТ [*а.* سلوكات – хатти-ҳаракат ва турмуш тарзи] Кишилар билан муомалада, жамиятда ўзини тутиш тарзи; хулқ-атвор, қилиқ. *Сулукати совуқ одам.*

СУЛУКАТЛИ Кишилар билан муомалада, жамиятда ўзини яхши тута биладиган, қилиғи ёқимли. *Сулукатли одам.*

СУЛЬФАТ [*лот.* sulphur – олтингугурт] *қ.* **сульфатлар**. *Аммоний сульфат. Сульфат кислота.*

СУЛЬФАТЛАР *ким.* Олтингугурт (сульфат) кислотасининг тузлари. ▬ *Сульфатлар табиатда кенг тарқалган ва турли саноат соҳаларида хомашё сифатида қўлланади.* «ЎзМЭ».

СУЛҲ [*а.* صلح – тинчлик; ярашиш] **1** Урушувчи томонлар ўртасидаги ярашув, яраш-яраш. *Сулҳ шартномаси. Сулҳ тузмоқ.* ▬ *Умумий сулҳдан кейин, одатда, сулҳ шартномаси тузилади.* «ЎзМЭ».

2 Умуман, келишув, тотувлик, тинчлик. *Шомат, Яхшибоевнинг зўрлигини тан олди, тан олгани баробар, «сулҳ» дея қўлини берди.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 *дин.* Мусулмонлар билан фатҳ этилган вилоятлар аҳолиси ўртасида тузиладиган тинчлик битими.

СУЛҲПАРВАР 1 [*а.* صلحپرور – сулҳни ёқловчи, тинчликсевар] *айн.* **тинчликсевар**. *Сулҳпарвар мамлакатлар.*

2 Келишувчи, ярашувчи. *-Ке, қўй, хотин, шуни туғиб қўя қол, – деди Тош жуда сулҳпарвар оҳангда.* З. Аълам, Зарб.

СУЛҲ-САЛОҲ [сулҳ + салоҳ] Сулҳ, келишув. *Икковлари [йигит билан жувон] уриниб, мени енга олмагач, сулҳ-салоҳга келишди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

СУМАК *этн.* Бешикка беланган чақалоқнинг сийдигини тувакка йўналтирувчи найсимон асбоб. *Қиз сумак. Ўғил сумак.* ▬ *Бешик, беланчак, қиз сумак, ўғил сумак, ип ўрайдиган урчуқ, заранг чўмич, ўроқ бозори қозондек қайнарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Мубораkнинг отаси қишда дурадгорлик қилар, эшик, бешик, сумак, сандал, заранг товоқ ясарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СУМАЛАК I Қорнинг эриб оқиб, қайта музлаши натижасида ҳосил бўлган найсимон, чўзинчоқ муз. *Ўнг томонда шоҳи пардадек осилиб турган япалоқ, лентасимон сумалаклар ҳам жуда чиройли эди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ер, томлар қор. Тарновларда сумалаклар осилган. Изғирин юзни ялайди.* С. Нуров, Нарвон.

СУМАЛАК II Ундириб янчилган буғдой, ун ва ёғ аралашмасидан тайёрланадиган, сервитамин, хушхўр ҳолвайтарсимон овқат (одатда баҳор кезлари аёллар ўртасида халфана асосида пиширилади). *Бу кеча – гулгун кеча, Ўчоқда ўт тонггача, Ким пиширса сумалак, Яшасин – эй мингача!* А. Суюн, Олис тонглар. *Дошқозонда қайнар сумалак, Онахонлар тонгни пойлайди.* «Саодат». *Бинобарин, сумалак йилда бир мартагина тайёрлаш мумкин бўлган ноёб таомдир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

СУМАН [*ф.* سمن – оқ гулли, хушбўй ўсимлик] Оқ хушбўй гулли ўсимлик ва унинг гули; ясмин, ёсуман. *Хати мушкинмудурур гул юзида Ё суман устида райҳон кўринур.* Бобур.

СУМАНБАР [*ф.* سمنبر – оқбадан ва суман исли] *поэт.* Гуландом, хушруй, зебо. *Бир парипайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам.* Увайсий.

СУМБА 1 *айн.* **шомпол**. *Эркинжон кичик уста, Станокда бирпасда Беҳи шохидан атай*

Силлиқ қилиб сумбадай, Бувига қилар ҳасса. Қ. Муҳаммадий, Одам-олам қўшиғи. *Сешанбаликларнинг қуроллари эски тарзда ясалган милтиқлар бўлиб, ўқ ва дорилари оғзидан солинар ва сумба билан жойланарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *тех.* Тешик тешиш ёки белги солиш учун хизмат қиладиган, учи найза пўлат асбоб.

СУМБАТ Ташқи кўриниш; қад-қомат. *Сумбати келишган йигит.* ▬ *Дарҳақиқат, қиз тўлишган — қарғашойи кенг кўйлаги ҳам унинг етилган сумбатини кўздан яширолмас эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Сумбатинг келишган, эй барно йигит, Ҳорманг, харидорим, қайдин бўласиз?* «Тоҳир ва Зуҳра».

СУМБУЛ *с. т.* Сунбул. *Шўр ерда сумбул унмас.* Мақол. ▬ *Сумбул ҳам, наргис ҳам, ғунча ҳам, гул ҳам Атлас кийган қизда бўлмиш жамулжам.* Уйғун, Тонг қўшиғи.

Сумбул соч Сунбул каби узун ва чиройли соч. *У ҳозир мана шу янгасининг илгари қиқир-қиқир куладиган, сумбул сочлари тақимига тушган гўзал бир қиз бўлганига ишонмаётгандек эди.* «Ёшлик».

СУМБУЛА *с. т.* Сунбула. *Асадда оралаб е, Сумбулада саралаб е.* «Қанотли сўзлар». *Сумбула сувидай тиниқ манглай тер Марварид доналар бўлди оқибат.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

СУМБУЛСОЧ *бот.* Соя-салқин жойларда, сув сирқиб турадиган унгурларда, булоқлар атрофида ўсадиган кўп йиллик манзарали ўт.

СУМКА [*р.* сума, сумка — тўрва, хуржун] Нарса солиб кўтариб юриладиган, чарм, мато ва ш.к. дан ясалган буюм. *Чарм сумка. Почтальон сумкаси.* ▬ *Тамара қўлига сумкасини олиб, нон харид қилиш бахонасида биринчи қаватга тушди.* «Ёшлик». *Ёрдамчилар машинадан тушиб, қўлларидаги сумкаю сеткаларини яккаю ягона балхи тутнинг шохига илиб қўйишди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СУММА [*лот.* summa — якун, умумий миқдор] Бир миқдор пул, маблағ. *Нафақалар суммаси йилдан-йилга ошмоқда.* ▬ *Яқинда поччам катта сумма зарур бўлиб қолганини сўз орасида қистириб ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СУНБУЛ [*а.* سنبل — бошоқ] Пиёзгуллилар оиласига мансуб, лола баргига ўхшаш узун баргли ўтсимон манзарали ўсимлик ва унинг ғуж бўлиб очиладиган хушбуй, чиройли гули. *Сен чиндан ҳам гўзалсан, Лабларинг ол, қирмизи.. Сочларингга сунбул банд, Кўзларинг тонг юлдузи.* А. Орипов, Йиллар армони. *Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Сув сунбул(и) Сочдек узун-узун пояли ва жуда нозик баргли папоротник.

СУНБУЛА [*а.* سنبله — бошоқ; бурж номи] **1** (С — *катта) астр.* Ўн икки буржнинг бири, Асад ва Мезон буржлари ўртасида жойлашган *(қ.* **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида олтинчи ойнинг номи (22 август — 21 сентябрь даврига тўғри келади). *Сунбулада сув совийди.* Мақол. ▬ *Ташқаридаги шох баргларининг сунбула шабадаси билан шивирлашаётгани эшитила бошлади.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул. *Тиниб борар ариқлар, Буғдой тўла сариқлар, Чарс бедовлар ориқлар, Ҳай-ҳай, жоним сунбула!.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

Сунбуланинг сувини ичган экин Куз сувини ичган экин (бундай экин ҳосили қишда яхши сақланади, дейдилар).

СУНДИРМОҚ: **бўйин сундирмоқ** *айн.* **бўйсундирмоқ**.

СУНМОҚ *эск. кам қўлл.* Тутмоқ; узатмоқ. *-Агар йўқ деганингизда, бошингиздан қуйиб юборар эдим, — деди новчадан келган бир йигит.. унга [паҳлавонга] май косасини сунар экан.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Ичига шабнам йиғилган лолақизғалдоқлар унга [капалакгулга] майи ноб сунар эдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Бўйин сунмоқ *айн.* **бўйсунмоқ**. *Номардларга асло сунма бўйнингни, Пуч ёнғоққа тўлдиради қўйнингни.* Мақол.

СУННА [*а.* سنه — одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи; қонун] *дин.* Исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, амаллари, хатти-ҳаракатлари. *Сунна исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган.* «ЎзМЭ».

СУННАТ [*а.* سنّت] **1** *дин.* Ҳадисларда тарғиб этилган, ибодатда ҳам, муомалада ҳам қўлланувчи амал. *Ўғил болани хатна қилиш, уйланиб оила қуриш, фарзандларга яхши исм қўйиш суннат амалларидан саналади.* «ЎзМЭ».

Ортиқча молу дунёсидан хайру эҳсон қиладиган ва суннатга амал қилиб, бидъатларга ўтиб кетмаган кишиларга қандай яхши! «Фан ва турмуш».

Суннат тўйи Ўғил тўйи, хатна тўйи. *Қиз чиқарадиган, ўғил уйлантирадиган, суннат тўйи қиладиган хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашидан ташқари жўната олмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ҳам фарз, ҳам суннат** *айн.* **ҳам фарз, ҳам қарз** *қ.* **қарз 2**. *-Қизим, — деди Эрназар ака соқолини ўйчан силаб, — ўтган сафар жуда маъқул гап айтдингиз. Ўйлаб қарасам, ерни яхлитлаш ҳам фарз, ҳам суннат экан.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Суннат (эркаклар исми).

СУННИЙ [*а.* سنّى — суннага амал қилувчи] *қ.* **суннийлар**.

СУННИЙЛАР *дин.* Қуръондан ташқари сунна(т)ни ҳам имон-эътиқод манбаи деб тан олувчи мусулмонлар; *таққосланг:* **шиалар.**

СУННИЙЛИК [«сунна» с. дан] *дин.* **1** Ислом динидаги икки асосий йўналиш (мазҳаб)дан бири ва энг кенг тарқалгани.

2 Сунний мазҳаби.

СУНЪИЙ [*а.* صنعى — ясама, ишланган; табиий эмас] **1** Бирор усул билан табиийга ўхшатиб ясалган, тайёрланган, юзага келтирилган. *Сунъий каучук. Сунъий тола. Сунъий буйрак. Ернинг сунъий йўлдоши.* ▬ *Эндиликда жаҳондаги энг йирик стадионлардаги югуриш йўлкалари сунъий қопламалар билан ишланмоқда.* «Фан ва турмуш». *Котибанинг кўкка бўялган қовоқлари, ҳар бири тикандай ажралиб турган сунъий киприклари пирпиради.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Табиий бўлмаган йўл билан амалга ошириладиган; нотабиий. *Сунъий ёритиш. Сунъий суғориш.* ▬ *Уни дарҳол дераза ёнига яқинроқ келтиришиб, сунъий нафас олдиришди.* «Ёшлик». *Сунъий ишлов берилган, аёллар зийнати ҳисобланган олмос «бриллиант» деб аталади.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Ясама, сохта, ёлғондакам; носамимий. *Сунъий табассум. Сунъий хотиржамлик.* ▬ *Куёв олдин манзират қилиб кўрди. Лекин сўзлари анча сунъий чиқаётганини ўзи ҳам сезди шекилли, миннатдорчилик билдириб қўя қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Очил ўзини вазмин тутиб, табиий муомала қилган сари, Замира ўнғайсизланар, сунъий равишда босиқ бўлишга уринарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СУНЪИЙЛИК Ясамалик, сохталик, табиий эмаслик. *Материалнинг табиийлиги ёки сунъийлигини аниқламоқ. Кулгининг сунъийлиги.* ▬ *Илтифот кўрсатиш меъёридан ошса, бачканалик ёки сунъийликка ўхшаб қолади.* Газетадан.

СУПА [*а.* صفّه — тошдан қилинган дўнг, тош ўриндиқ, токча; айвон, шийпон] **1** Ҳовли, боғ ва умуман очиқ ерда ўтириш, ётиш-туриш учун тупроқдан чорбурчак шаклида кўтариб қурилган жой. *Баланд супа. Супа қурмоқ. Супага жой қилмоқ.* ▬ *-Уйга кириб ўтирмайлик, супага жой қилиб қўя қолинг, девкор, — деди кўринишидан оғзи катталиги ҳам билинмайдиган меҳмон дўрилдоқ товушда.* «Ёшлик». *Ҳовуз атрофидаги супа дид билан безатилган.* «Гулдаста».

Шоҳ супа *айн.* **шосупа**.

2 Умуман, чорбурчак шаклидаги, ердан баланд жой ёки қурилма. *Ҳайкал ўрнатилган супа.*

СУПАТОҒ *геогр.* Усти супага ўхшаш текис, ёнлари тик тоғ.

СУПАЧА 1 Кичкина супа. *Супачада ухлар эркак ва аёл, Ёғоч бешик ўрталарида.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз. *Тоғасиникига келган куни кечқурун боғдаги супачада ётар, қушларнинг сайрашига қулоқ соларди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Супа шаклидаги кичикроқ, ердан баланд жой ёки қурилма. *Ҳайкал супачаси.*

СУПЕР- [*лот.* super — юқорида, устида] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «олий сифатли, юқори даражали», «бош, асосий» ва «устида, юқорида жойлашган» деган маъноларни билдиради, мас., *супермаркет, суперфосфат.*

СУПЕРМАРКЕТ [*ингл.* supermarket < супер.. + *ингл.* market — бозор; сотиш, пуллаш] Турли хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари сотиладиган катта дўкон. *Қуйи Чирчиқ туман марказида тумандаги илк супермаркет ўз эшикларини очди.* Газетадан.

СУПЕРОҒИР: **супероғир вазн** *спрт.* Боксда энг оғир вазнли (ўйинчи). *Супероғир вазнда ўзбекистонлик боксчи Р. Чагаевнинг кейинги рақиби маълум бўлди.* Газетадан.

СУПЕРФОСФАТ [супер + фосфат] Апатит ва фосфоритларни олтингугурт

кислотаси билан ишлаб ҳосил қилинадиган юқори сифатли фосфорли ўғит. *Донадор суперфосфат. Суперфосфат заводи.*

СУПРА [*а.* سفره – сафар озуқаси (овқати); тушлик дастурхон, суфра] Хамир ёйиш, нон ясаш учун мўлжалланган, одатда ошланган теридан қилинадиган дастурхонсимон рўзғор буюми. *Тери супра. Ҳар супранинг нони бор.* Мақол. ▬ *Раҳбархон қўлидаги ўқлоғини супрага дўқ этиб урди.* Ў. Усмонов, Қисмат. *-Вой, ўла-ай! – деди Бувиражаб супрани очиб.* «Ёшлик». *Мезбонлар қўй терисидан қилинган супраларда.. пиширилган гўшт келтира бошладилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Номи (*ёки* **оти) улуғ, супраси қуруқ** Номига яраша қўли, дастурхони очиқ бўлмаган, мартабасига мувофиқ иш тута олмайдиган одам ҳақида айтиладиган ибора. *Биладики, [Севаргул] кўк диплом билан институтда қололмайди, мабодо унинг шарофати туфайлидан қолдирилганда ҳам, оти улуғ, супраси қуруқ юраверади.* Н. Қиличев, Чиғириқ. **Қулоқ супраси** *анат.* Қулоқнинг товуш тутувчи ташқи тоғай қисми. *Султон тандирчи – қотма, кўк кўзлари ҳорғин ва хаёлчан.. бармоқлари, ҳатто қулоқ супраларини майин жун босган калта соқолли чол.* «Ёшлик».

СУПРАҚОҚДИ 1 Катта зиёфат, тўй ва ш.к. дан кейин қолган нарсалар билан кичик доирадаги яқин кишиларни меҳмон қилиш ва шундай меҳмондорчиликнинг ўзи.

2 *кўчма* Энг кичик, кенжа (фарзанд ҳақида). *Мўминбой – унинг супрақоқдиси, элликка кирганда кўрган фарзанди.* «Ёшлик».

СУПТА Жуссаси унча катта бўлмаган, хипчадан келган; бежирим. *Супта аёл.* ▬ *[Хуррам:] Чуқурни хушрўй қилиб қазинг. Қизнинг бетидай супта бўлсин.* «Ёшлик».

СУПУРГИ 1 Супуриш-сидириш, тозалаш учун бурган, шувоқ, маккасупурги ва ш.к. дан дасталаб боғлаб ясаладиган рўзғор буюми. *Шувоқ супурги. Чўлтоқ супурги.* ▬ *У тахмондаги, шифтлардаги исларни супурги билан олиб, полни икки қайта ювди.* Мирмуҳсин, Умид. *Янги супургини ишлатишдан олдин совунли қайноқ сувда ҳўллаб олсангиз, кўпга чидайди.* «Саодат».

Хотин (*ёки* **хотинак) супурги** Банди қисқа, одатда уй супуриладиган супурги. **Эркак супурги** Банди узун супурги. *Чол ғираширада уйдан чиқарди. Қўлида кетмон сопидек узун сопли эркак супурги, челак.* Ў. Умарбеков, Дутор. **Қоровул супурги** Узун ёғоч дастали катта супурги.

2 *бот.* Чўл, қирда ўсадиган сершох, уруғи заҳарли бир йиллик ўсимлик.

3 *айн***. маккасупурги.**

Супурги пули *тар.* Эски мактабларда болалардан уларни ўқитганлик учун олинадиган солиқларнинг бир тури. **Юмшоқ** (*ёки* **мулойим) супурги** Муомаласи юмшоқ, мулойим, аммо ўзи қаттиқ ёки қув одам ҳақида. *[Алижон] Учрашганда шундай мулойим супурги бўлиб кетадики, унча-мунча одам лақ этиб учиб, бундан яхши йигит бўлмаса керак, деб ўйлайди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. **Қўли косов, сочи супурги** Ҳамма уй-рўзғор ишларини ва б. оғир юмушлар, топшириқларни хизматкордек бажарувчи одам ҳақида. *Сизни деб қўлим косов, сочим супурги бўлса-ю, ҳали сиздан келган гап шуми?* А. Муҳиддин, Давлат қораловчиси.

СУПУРГИЧИ Супурги боғлаб сотувчи киши. *Мана Барат супургичи! Бозордан супургисини чақа қила олмай, яна орқалаб қайтаётир.* Ойбек, Танланган асарлар.

СУПУРИБ-СИДИРМОҚ Супуриб, гард қолдирмай тозалаб олмоқ. *Ўзи супуриб-сидириб, супада чордана қуради. Тиззалари орасига патила-патила эчки юнгларини уяди. Чувий бошлайди.* «Ёшлик». *Ҳамма ёқни супуриб-сидириб, ёғ тушса ялагудай қилиб, Ҳожи бобонинг чиқишига мунтазир бўлиб турдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

СУПУРИНДИ 1 Супурганда тўпланган ахлат. *Супуриндиларни ерга тўплаб ёқмоқ.* ▬ *Бу ерга ёзда супуринди, қишда қор ташлайдилар.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

2 *кўчма нафр.* Одамгарчилигини йўқотиб, кишилардан ажралиб қолган, маиший ёки мафкуравий жиҳатдан тубан киши.

СУПУРМОҚ 1 Супурги билан чанг-тўзон, ахлат ва ш.к. дан тозаламоқ, ахлат ва ш.к. нарсаларни сидириб олмоқ, тўпламоқ. *Уй супурмоқ. Ҳовли супурмоқ. Янги супурги тоза супурар.* Мақол. ▬ *Ўнлаб фаррошлар ҳафсала билан ер супурган, мешкобчилар этакларини белбоққа қистириб, сув сепган..* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Таг-томири билан сидириб, орадан кўтармоқ, сурмоқ. *Юлғичларни орамиздан супуриб ташлаш керак.*

3 *кўчма* Йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, барҳам бермоқ. *Гул боғларга еллар кўклам нафасини уфурди. Ердан қору мовий кўкдан булутларни супурди.* Э. Воҳидов.

Ер супурмоқ Этаги ерга тегиб судралмоқ. *Ўлмас этаклари билан ер супурганча, унга эргашди.* «Ёшлик».

СУР I Дудлаб ёки осиб қўйиб қуритилган, қоқланган. *Сур гўшт. Сур балиқ.* ■ *Қозоқ қизи тутган қимиз, қалбидек соф, Эсдан чиқмас сур қазининг тўғрамчаси.* С. Абдулла. *-Бу ану кунги сур гўшт, — деди Нозик кампир гуноҳини енгиллатадиган важ топилганидан қувониб.* «Ёшлик».

СУР II Без, сурбет. *Сур одам.* ■ *Нигоранинг кўз олдига Ёқутойимнинг тухумдай тиғиз гавдасию пардоз-андоз қилган сур башараси келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

СУР III [*ф.* سور / سرخ — қирмизи, қизил, қизғиш] **1** *от* Тўқ кулранг, тилларанг қоракўл. *Лолаларнинг унар жойи қир бўлур, Қоракўлнинг кўркам тури сур бўлур.* Я. Қурбон. *Эшик зинапоясида сур қалпоқ кийиб, қизил астарли чакмонининг барини кумуш камарига қистириб олган киши кўринди.* «Шарқ юлдузи».

2 *сфт.* Тўқ кулранг тусдаги; сурранг. *Сур қоракўл тери.* ■ *Бутхонанинг сур деворига Ҳар ўткинчи бир сатр битмиш.* Миртемир, Асарлар.

СУР IV *шв.* Салобат. *Умрида ҳали бирор марта ҳайфсан олмаган, беозор Саидхонни прокурорнинг сури босиб қолди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *Дуруст, ўзим ёлғиз бўлганда дадил айта бераман-ку! Лекин ўша.. учраган вақтда.. баччағарнинг сури босиб қолади, дейман.* Ҳамза, Танлаган асарлар.

СУР V [*а.* صور — шох, мугуз; карнай] *дин.* Қуръонда айтилишича, қиёмат куни Исрофил фаришта томонидан чалинадиган, шох (мугуз)дан ишланган карнай.

СУРА [*а.* سوره] (*у — чўзиқ*) Қуръоннинг 114 бобидан ҳар бири. *"Бақара" сураси.* ■ *Баъзи сураларнинг номи суранинг бошида келган сўздан олинган.* «ЎзМЭ». *Бу «Ҳаж» сураси Мадинада нозил қилинган бўлиб, етмиш саккиз оятдан иборатдир.* «Шарқ юлдузи».

СУРАЙЁ [*а.* ثريّا] **1** (*С — катта*) *астр.* Савр юлдузлар туркумидаги бир гуруҳ юлдузлар номи. *Бир оқшом, ой тўлган, ел ўйнар то баланд Сурайё зангори.* У. Носир, Юрак.

2 *эск.* Маъшуқа, ўйнаш.

3 Сурайё (хотин-қизлар исми).

СУРАЛАЙ: суралай ғоз Ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар кичик оиласига мансуб кўл қуши; шомруқ.

СУРАТ [*а.* صورت — кўриниш, тимсол; тасвир, тасаввур; фоторасм; шакл, нусха] *(у — чўзиқ)* **1** Рассом томонидан чизилган тасвир, расм. *Сурат солмоқ.* ■ *Тунги боғлар суратга ўхшар, Ҳар бир чизиқ аниқ ва қора. Кундузи у мен каби яшар, Тунда — қотиб қолган хотира.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Шоирлар сурати турибди қатор, Мана бу — Лермонтов, мана бу — Фурқат.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Босма тасвир, китоб, журнал ва ш. к. да босилган расм, иллюстрация. *Суратлар билан безатилган китоб.* ■ *Абдурасул ўқишни билмаса ҳам, китобларни иштиёқ билан варақлай бошлади ва баъзи бир суратларга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Фотографик тасвир, фоторасм. *Сурат олдирмоқ. Суратга олмоқ. Суратга тушмоқ.* ■ *Жамолзода Гулгинага қараб турди-да, ички завқ ила Ботирга деди: -Қара, Ботир, Гулгинахоним оҳу ила сўзлашяпти.. Таассуфки, фотоаппаратимиз йўқ, суратга олсак бўларди.* «Ёшлик». *Ёнаётган бағрини қандай қилиб совитса экан?! Ҳеч совитиб бўлмайди! Девордан Ҳафизанинг суратини олиб, бурдаласинми?* Мирмуҳсин, Умид.

4 Ташқи қиёфа, кўриниш; сиймо. *Уйқусиз кечаларда Суратинг кўз олдимда.* Миртемир, Асарлар. *Муқбил бир қаландар суратига кириб, сафарга чиқибди.* «Эртаклар».

Сурати одам Ташқи кўринишигина одам, лекин эзилган, ҳолсиз ёки инсонийлигини йўқотган, разил. *Бузилдим, одамгарчилигим қолмади, суратим одам, бойвачча ака, мендан ҳайвон яхши,* Ойбек, Танланган асарлар. **Сурати қолмоқ** Касаллик, қўрқув ёки руҳий азобдан озиб-тўзиб кетмоқ. *Ортиқча меҳр қўйганиданми, ўғлининг саратондаги чақмоқдек ногоҳ қамалиб қолишидан Оҳистахон шунақа қўрқиб кетдики, икки-уч кунда сурати қолди.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

5 *(ў.-п. к. шаклида)* Қўшма равиш таркибида келади. *Шошилинч суратда. Расмий суратда. Мунтазам суратда.*

6 *мат.* Оддий касрда чизиқ устидаги сон. *Сурат ва махраж.*

Баайни *(ёки* **худди**) **сурат** Жуда чиройли, жуда гўзал. *Баайни сурат: киши ҳам бун-*

дай бежирим бўлар экан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Сурат бўлиб (қотиб) қолмоқ** Ҳайратда қолмоқ, ҳанг-манг бўлмоқ. *Зулукхон Норқўзининг турган ерида сурат бўлиб қолганини, йигитнинг қалби қўрқувга тўлганини фаҳмлади.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Шу пайт бир ҳодиса рўй берди-ю, болаларнинг ҳаммаси сурат бўлиб қотиб қолишди.* О. Акрамхўжаев, Кониютнинг сири.

СУРАТКАШ [*а.* + *ф.* صورتکش – сурат чизувчи, расмга олувчи] **1** *с. т.* Сурат чизувчи, сурат солувчи; рассом. *Сураткаш чизган манзара.*

2 *айн.* **фотограф.** *Новча сураткаш чигирткадай дам у ёққа, дам бу ёққа сакраганича, тинмай фотоаппаратини чиқиллатарди.* «Ёшлик». *Эшик оғзида рўйхатга олаётган қизларга юзландик. Ҳисобдан ўтиб, энди залга қараб юрган ҳам эдикки, нақ пешонамизда сураткашларнинг чироғи икки марта ярқ этди.* М. М. Дўст, Лолазор.

СУРАТКАШЛИК Сурат чизиш ёки сурат олиш билан шуғулланиш; сураткаш касби. *Сураткашлик қилмоқ.*

СУРАТЛАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **гавдаланмоқ.**

СУРАТЛИ 1 Сурати, суратлари бўлган; суратлар билан безатилган. *Суратли журнал.* ▬ *Мен суратли китобни яхши кўраман.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *поэт.* Бирор кўринишга эга бўлган, кўринишидаги, қиёфасидаги. *Қараса, Юсуф талъатли, Искандар савлатли, Рустам жасадли, ажаб суратли бир йигит ёнбошлаб ётибди.* «Маликаи айёр». *Малойик суратли, гул юзли дилбар, Ростин дегин, дилбар, қайдин бўласан?* «Маликаи айёр».

СУРАТХОНА [сурат + хона] *эск.* **1** Фотосурат олинадиган ишхона, фотография.

2 Расмлар музейи, галереяси.

СУРАТЧИ *с. т.* **1** *айн.* **рассом.** *Суратчи чизган портрет.*

2 *айн.* **фотограф.** *Бизнинг суратчимиз яна сурат олди. Хотин бундан жуда хурсанд бўлди.* Ҳ. Олимжон, Танлаган асарлар.

СУРБЕТ Гап таъсир қилмайдиган; сур, безбет. *Сурбет одам.* ▬ *Баширжон енгил нафас олиб: «Уф, хайрият! – деди ва: -Жуда исқирт, сурбет чол-да! – дея қўшиб қўйди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Тоғай унинг башарасига тикилиб тураркан, кўнглида шу истакни туйди: қани энди бу сурбетни қўли толгунча қамчин билан саваласа, отга топтатса..* «Ёшлик».

СУРБЕТЛАРЧА *рвш.* Сурбет одамлардек, сурбет одамларга хос равишда гапга парво қилмай. -*Энди хотинимиз ўқимаган хотин, – сурбетларча илжайди Обидов.* С. Зуннунова, Олов. *Бир ёқда Тўйчининг сурбетларча зуғум қилиши, бир ёқда тийинлаб тўпланган икки мингдан ажраб қолаётгани Рисолат холани ўртаб юборди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

СУРБЕТЛАШМОҚ Сурбет, безбет бўлиб бормоқ.

СУРБЕТЛИК Сур, безбет бўлишлик; сурбет эканлик. *Унинг сурбетлиги мени гангитиб қўйди.* «Ёшлик».

2 Сурбет одамларга хос иш, хатти-ҳаракат, қилиқ. *Қоравой ака ҳеч қандай саволжавобсиз ичкарига кириб, сурбетлик билан салом берди.* К. Яшин, Ҳамза. *Лекин билинг, бунақа сурбетлик билан.. ҳеч қачон косангиз оқармайди.* «Ёшлик».

СУРГАМОҚ *айн.* **судрамоқ**. *Маматнинг катта ўғли аёлнинг қўлидан косовни тортиб олиб, сўкина-сўкина, уни четга сургади.* «Ёшлик». *Эти сўнгакларидан ажралиб кетаётгандек, бесўнақай гавдасини аранг кўтарганча, тегирмон бўйлаб оёқларини сургаб босарди.* «Афсунгарлар туҳфаси».

СУРГИ I Ични юмшатадиган, сурадиган дори-дармон. *Сурги ичмоқ. Сурги дори.* ▬ *Тузли сургилар мунтазам ишлатилганда, улар ичакни таъсирлантириши натижасида ичак шиллиқ пардаси яллиғланиши мумкин.* «ЎзМЭ».

СУРГИ II *шв.* Юз-қўл артадиган сочиқ, лунги.

СУРГУН *эск.* **1** Давлат органларининг қарори ёки суд ҳукми билан жазо тариқасида бошқа бир ерда яшаш учун мажбурий равишда кўчириш; бадарға. *Сургун қилмоқ. Сургунга юбормоқ.* ▬ *Сал норозилик қилиб, ишдан бўйин бурганларнинг боши балога қолар, бундайларга сургун, бадарға доимо таҳдид солиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бош вазир Исфандиёрни тахтдан тушириш йўлини ўйлаб, уйи томон борар, хон эса Исломхўжани сургун қилиш ё қатл этиш режасини туза бошлаган эди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Шундай жазога маҳкум этилган кишилар бадарға қилинадиган жой ва у ердаги ҳаёт. *Бир ўқитувчи рус аёл ҳам сургун қилинган экан. У сургундаги саводсизларни ўқита*

бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. *Сургунда қон ютган йилларни айтиб, Дер экан: -Эсимда: бир вақтлар йироқ Юртда бошимизга тушганди фироқ.* М. Шайхзода.

СУРДОЛОГ [*лот.* surdus – кар + *лот.* logos – сўз, тушунча; таълимот] Кар ёки заиф эшитувчи болаларни ўқитувчи педагог. *Малакали сурдолог тарбиячи ва ўқитувчилар Б. Исмоилова, Д. Ражабовалар болалар билан эринмай шуғулланишади.* Газетадан.

СУРДОПЕДАГОГИКА [*лот.* surdus – кар + педагогика] Дефектологиянинг кар ёки заиф эшитувчи болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларини ўрганувчи тармоғи. *Сурдопедагогика отоларингология, акустика, логопедия, умумий педагогика, тилшунослик, психология, физиология билан узвий боғлиқ.* «ЎзМЭ».

СУРИК [*қад. р.* сурикъ – қизил бўёқ < *юн.* surikon – сурия бўёғи] **1** Таркибида қўрғошин оксид ёки темир оксид бўлган, техникада ва лоқ-бўёқ санотида қўлланадиган минерал.

2 Шундай минералдан тайёрланган қизғиш-зарғалдоқ ёки қизғиш-жигарранг бўёқ.

СУРИЛМА 1 У ён-бу ён суриладиган; сурма. *Сурилма қопқоқ.*

2 *геол.* Тоғ жинсларининг гравитация жараёнлари таъсирида ёнбағир бўйлаб пастга томон силжиши. *Ётиқ сурилма. Тик сурилма.* ▬ *Қизилжарга соҳиллардан сурилмалар кўп тушган, қанчалаб арчаларнинг илдизлари очилиб ётар.. эди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

СУРИЛМОҚ 1 Сурмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Орқа қаторда ўтирган кексароқ бир рус, скамейка четига сурилиб, Икромжонга ёнидан жой кўрсатди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Уларни [лолаларни] ердан кавлаб олиш жуда осон. Кавланмайди ҳам, шунчаки тупроқ четга сурилса бас, ҳар лола тупи сопол туваги билан очилиб қолади.* М. М. Дўст, Лолазор. *Кечга бориб хон: «Ғолиблар шарафига.. зиёфат берилсин», деб фармон берди. Тонготар базм бўлиб, кайф-сафо сурилди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Иши орқага кетиб пастлашмоқ, қатордан, сафдан чиқмоқ. *Бечора, иши юришмай, анча сурилиб қолибди.*

СУРИНМОҚ 1 Қоқилиб-сукилиб, туртиниб юрмоқ. *От суринмай, йўл танимас.* Мақол. ▬ *Нурбек сўқмоқ устида ётган тўнкага суриниб йиқилди. Кафтию юзи, тиззалари сидирилди.* «Ёшлик». *Лоилоҳа қудратингга, илоҳим, Йиқилсам, суринсам, пушти паноҳим.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Қийин аҳволга тушмоқ, қийинчилик билан кун кўрмоқ. *Бўлар-бўлмас уринма, Охирида суринма.* Мақол. ▬ *Биров ҳолинг не деб сўрармикан, деб умид қиламан. Яккаланганингда, суринганингда бу жуда билинади.* «Ёшлик». *Мудҳиш шарпалардек суринган халқнинг Оҳу фиғонлари тутун ё ғубор.* Ғ. Ғулом, Танлаган асарлар.

СУРИШ 1 Сурмоқ фл. ҳар. н. *Нарсаларни у ёққа-бу ёққа суриш. Ишни олдинга суриш. Хаёл суриш.* ▬ *-Жамоани орқага суришга, обрўйини тўкишга ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ. – деди директор.* Газетадан.

2 *фольк.* Жанг, уруш. *Оломондан неча ўлиб, Жуда қирғин суриш бўлди.* «Фольклор».

СУРИШМОҚ 1 Сурмоқ фл. бирг. н. *Умид билан бир ёстиққа бош қўйиб, нималарни орзу қилишмаганди. Қучоқлашиб, кўзгуга тикилганча, ширин ўйлар суришарди.* «Ёшлик».

2 Жанг қилмоқ, олишмоқ. *Ҳасанхон шу майдонда урушиб, суришиб, олишиб, солишиб, урушмоқдан армони қолмади.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

3 *с. т.* Мириқиб шахмат ўйнамоқ, шахмат тахтасида жанг қилмоқ. *Бироқ масаллиқ қозонга тушиб, улар беш-олти қўл эзилишиб шахмат суришди ҳамки, Зиёд муддаога ўтмасди – ёрила қолмасди.* М. Мансуров, Ёмби.

4 Ҳисоб-китоб қилиб, бир-бирига ўтган қарз ёки ҳақни тўлаб, орани очмоқ. *-Дийдиёйингни қўй, – деди Зариф найза. – Акаука кейин суришиб кетаверасанлар.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

СУРИШТИРМОҚ I Биридан бирига ёки у ён-бу ён сурмоқ. *Харажатларни бир моддадан иккинчи моддага суриштириб қопламоқ. Нарсаларни суриштириб, икки яшикка жой қилмоқ.*

СУРИШТИРМОҚ II Бутун тафсилоти билан билиб олиш, тагига етиш учун сўроқлайвермоқ, сўраб-сўраб билмоқ, аниқламоқ. *Авлодни суриштирмоқ. Узумини е, боғини суриштирма.* Мақол. ▬ *Суриштириб келса, ҳаммамиз бир томирданмиз.* «Ёшлик». *Кийимлари-да нақ рисоладагидек: бошдан-оёқ чет элники. Феълини суриштирсангиз, мисоли ўт-олов!* «Ёшлик».

Суриштирмай *ёки* **суриштирмасдан** 1) сўроқлаб аниғини билмасдан, аниқламай-нет-

май; 2) фарқига бормай, фарқ қилмай, аралашига. *У овқатнинг яхши-ёмонини суриштирмайди.*

СУРКАЛМОҚ 1 Суркамоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Деворга суркалмоқ.* ▬ *[Муҳсина хоним:] Ҳадеганда йиғлай олмайман, айниқса, кинода панд беради шу одатим, ноиложликдан дори суркалган рўмолчани кўзга суртаман.* М. М. Дўст, Лолазор. *Урғочи шер ҳеч қандай ҳужум қилмасдан, кўзидан ёшини тўкиб, ерга суркала-суркала келаверибди.* «Эртаклар».

2 Ейилиб кетмоқ, ейилиб, ифлос, доғ-дуғ бўлмоқ. *Стол қимирлаб, хатим суркалиб кетди.*

3 *кўчма салб.* Хиралик билан суқилмоқ, ёпишмоқ, кимса атрофида ёки бирор доирада ўралашиб юрмоқ, пашшахўрда бўлмоқ. *Мулла Мамасолиҳ Уста Бабудни ийдириш учун хушомадомуз бир оҳангда балчиқдай суюлиб, суркалиб давом этди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

СУРКАМОҚ 1 Бирор нарса бетини, сиртини бошқа нарса бетига, сиртига ишқамоқ, суйкамоқ. *Товонини ғиштга суркаб ювмоқ.*

2 Бирор нарса бетига, сиртига юқадиган ёки сингийдиган нарса бермоқ, суртмоқ. *Деворга бўр суркамоқ. Машинага мой суркамоқ. Ярага дори суркамоқ.* ▬ *[Унсин] Ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга шон қоқади, шондан туширади, пардозлайди, қора гул, лок суркайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мели полвон Худойқулга яна имо қилди: -Қани, бармоғингни тўғрила, — деди ва.. бош бармоғига сиёҳ суркади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СУРКАТМОҚ 1 Суркамоқ 2 фл. орт. н. *Оёғига дори суркатмоқ.*

2 Ейилтириб юбормоқ, ейилтириб, ифлос, доғ-дуғ қилмоқ. *Хатни суркатиб юборибди.*

СУРЛАМОҚ Осиб қўйиб қуритмоқ, қоқ қилмоқ, қоқламоқ. *Гўшт сурламоқ. Балиқ сурламоқ.*

СУРЛИК Безбетлик, сурбетлик; шилқимлик. *Сурлик хўрлик келтирар.* Мақол.

СУРМА I **1** Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон оқ, мўрт металл. *Сурма кони. Сурма рудаси.* ▬ *Сурманинг алюминий, галлий, индий билан ҳосил қилган қотишмалари яримўтказгичлар ишлаб чиқаришда қўлланади.* «ЎзМЭ».

2 Таркибида шу элемент бўлган қорамтир пардоз бўёғи (қош, киприкларни бўяш учун ишлатиладн). *Сурма қўймоқ. Кўзига сурма тортмоқ. Ўсма кетар — қош қолар, Сурма кетар — кўз қолар.* Мақол. ▬ *Саломатнинг сурма тортилган кўзлари ола-кула бўлиб кетди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора, бир қараши биланоқ юрагимни така-пука қилиб ташлади.* Ҳамза, Танланган асарлар.

Сўқир кўзга сурма Номуносиб ёки беҳуда иш қилган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *Ўрмонжон кулди: -Сўқир кўзга сурма.. нима қиласизлар, нима қиласан алдаб?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СУРМА II Суриладиган, сурилма. *Сурма қопқоқ. Столнинг сурма яшиги.*

СУРМАДОН Сурма солинадиган идиш. *Бир кун сени кўтариб, қўшнимникига ўтдим. Уй эгаси ичкари ҳовлида экан, ташқарида сурмадон қўйилган эди.* «Саодат».

СУРМАЛИ 1 Таркибида сурма бўлган. *Сурмали тоғ жинси.*

2 Сурма қўйилган ёки сурма қўйилгандек қора. *Кўйлаклари бурмали, Қошу кўзи сурмали Қайнопасига бир салом.* «Қўшиқлар». *[Баширжон] Ниҳоят, жувонни чироқ томон ўгириб, чўғдек ёнаётган сурмали кўзларига ютоқиб тикилди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СУРМАРАНГ Тўқ симоби ранг, қорамтир. *Уфқдаги олачалпоқ булутлар қирмизи рангга кирди, денгиз қорайиб, сурмаранг тус ола бошлади.* «Ёшлик». *Сурмаранг духоба дўппи кийган, кўса, олтмишларга борган жиккак киши электр плитада қайнаётган сувни кичкина рух чойнакчасига дамлаб олаётган эди.* Ў. Усмонов, Қисмат.

СУРМАЧЎП Сурма суртадиган махсус ингичка чўп.

СУРМОҚ 1 Итариб, бир жойдан иккинчи жойга кўчирмоқ; жилдирмоқ, силжитмоқ. *Ориқ, кўзи ичига тортиб кетган, ияклари ингичка келин айвон тахмонидаги сандиқни нари-бери сурар эди.* «Саодат».

Олдинга сурмоқ 1) олд томонга силжитмоқ; 2) *кўчма* олға бостирмоқ. *Ишни олдинга сурмоқ.* **Орқага сурмоқ** *қ.* **орқа.** *Акаси қисташини қўймабди, укаси эрта-индин, деб орқага суришини қўймабди.* «Эртаклар». **Сув сурмоқ** Суғориш учун сувни бирор томонга йўналтирмоқ, йўналтириб олиб бормоқ. *У*

[Йўлчи] ер ҳайдади, чопиқ чопди, сув сурди, далага гўнг ташиди. Ойбек, Танланган асарлар. **Суриб бормоқ** Куч билан сиқиб, босиб бориб, илгари ҳайдамоқ. *Ҳайдар, рақибини суриб бораётиб, чалиниб йиқилиб тушди.* И. Раҳим, Ихлос. **Суриб кетмоқ** 1) куч билан олиб, тортиб, судраб ёки эргаштириб кетмоқ. *Тингловчи эса шу дарё юзидаги елканга ўхшайди. Сизларга кўчган хотиралар эса елканни суриб кетувчи шамолга ўхшайди..* А. Нурмуродов, Уруш бевалари; 2) олиб қочмоқ (от ҳақида). *Саман ҳуркиб, келган томонига — Кўкоролга суриб кетди!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 3) *кўчма* фойда бермай, зарар келтирмоқ. *Ҳаром пул суриб кетади.* **Суриб чиқармоқ** Куч, тазйиқ билан сиқиб чиқармоқ. *Қисм қоронғи тушгунча душманни олдинги окоплардан суриб чиқарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Четга сурмоқ** 1) чет томонга силжитмоқ; 2) *кўчма* четга чиқариб юбормоқ, четлатмоқ.

2 Юрмоқ (шахмат ва шашка ўйинида). *Пиёдани сурмоқ. Филни сурмоқ.*

3 Бирор томонга йўналтирмоқ, солмоқ. *Лашкар сурмоқ. Карвон сурмоқ.* ▬ *Ажаб, бунда нечун ёлғиз юради, Ким экан у, кечаси от суради?* «Гулшанбоғ». *Ғиротга мен аччиқ қамчи урайин, Ёв кетиндан шу кеча от сурайин.* «Гулшанбоғ».

4 *с. т.* Суртмоқ, суркамоқ. *[Нафиса] Икки қўли ёрилган, ҳадеб глицерин сурмоқ ҳам фойда бермасди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

5 Отлар билан қўшма феъл ясайди, мас., *давр сурмоқ, кайф сурмоқ, хаёл сурмоқ, ҳукм сурмоқ.* ▬ *У шилдираб оқаётган ариқ ичидан балиқчалар излаб, хаёл сураётган Ҳафизага боқиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Уларни кузатиб турган она, қизининг энг ўйнаб-куладиган, аёллик, оналик бахтини сурадиган вақти ўқиш билан ўтаётганига ачинар.. эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Боғда гулни тергин энди, Давру даврон сургин энди.* «Гулнорпари».

Насл (*ёки* **суяк**) **сурмоқ** Наслдан наслга ўтмоқ (бирор касаллик, ирсий ҳолат ва ш.к.). **Тирноғи сурибди** Янги тирноқ чиқиб ва ўсиб, эски, зарарланган тирноқни туширибди. **Умр сурмоқ** Умр кўрмоқ, яшамоқ. **Қалам сурмоқ** *айн.* **қалам тебратмоқ** *қ.* **тебратмоқ.** *Навоий улуғ форс шоирлари каби, шеърнинг ҳамма шаклларида қаламни жасур сурди.* Ойбек, Навоий.

СУРНАЙ [*ф.* سورنای — тўйда чалинадиган най < سور — тўй, зиёфат + نای — най, сибизға] Тешикларини бармоқлар билан очиб-ёпиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. *Сурнай овози. Сурнай навоси. Сурнай чалмоқ.* ▬ *Энди билдим, бир кун сенинг тўйинг бўлиб, Сурнай йиғлар саҳаргача ўйин бўлиб.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз. *Хоразм отлиқ аскарлари карнай, сурнай, ноғора садолари остида душман билан чопқилаша бошладилар.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Қирқин қизлар қўлларига карнай-сурнай, чилдирма, чанқовуз олиб, ҳар қайсиси бир нағма қилиб бораётир.* «Маликаи айёр».

Сурнайингни тортма Йиғи-сиғи қилаверма, йиғингни қўй. **Сўк ошига сурнай** *кест.* Арзимаган ишга ортиқча дабдаба, дарангдурунг қилинган ҳолларда ишлатиладиган матал.

СУРНАЙЧИ Сурнай чалувчи одам. *Ғатғат қилган карнайчи, Балога қолган сурнайчи.* Мақол. *Қарға қақимчи экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан..* (эртакларнинг бошламасидан).

СУРОБ: суроби тўғри бўлмоқ (*ёки* **тортилмоқ**) 1) ҳолдан тоймоқ, ҳол-жони қолмаслик. *..Турқингга бир қара, икки кунда суробинг тўғри бўп қопти-ю!* «Ёшлик»; 2) адабини, таъзирини емоқ; бўлари бўлмоқ. *Хўп, бу одамнинг бугун қўли узун. Эртага-чи? Эртага суроби тўғри бўлгач, бу думбул эркатой нима қилади?* «Ёшлик». **Суробини тўғриламоқ** (*ёки* **тортмоқ**) 1) ҳолдан тойдирмоқ, жонини кўзига кўрсатмоқ; 2) адабини, таъзирини бермоқ, кунини кўзига кўрсатмоқ. [*Турди ғилай:*] *Шошмай тур, сениям суробингни тўғрилаб қўядиган пайт келади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

СУРОН 1 Кучли шовқин, ғовур-ғувур, шов-шув. *Бобур умрининг сўнгги йилларида саройдаги хушчақчақ сурон билан тўла базму томошалардан совиган эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Сурон тиниб, ҳамма яна жойига ўтириб бўлгач, Ошно ҳеч гап айтмагандай, воҳа раҳбарига юзланди-да, жўнгина сўради..* М. М. Дўст, Лолазор.

Сурон солмоқ (*ёки* **кўтармоқ**) Кучли шовқин кўтармоқ, шовқин солмоқ, ғовур-ғувур қилмоқ. *Кўпчилик дам урса, бўлади бўрон, Саҳрога солади даҳшат ва сурон.* А. Пўлат. *Тракторлар сурон кўтариб, ер бағрини тилка-пора қилади.* «Шарқ юлдузи».

2 *ҳарб.* Қўшинларнинг жанг майдонида бир-бирига қарама-қарши турган ёки ҳужум вақтидаги аскарлар ҳайқириғи.

3 *кўчма* Катта қийинчилик, азоб, машаққат. *Суронлар йўлимда турибди кутиб, Ўзинг қўлла энди мени, онажон.* А. Орипов, Йиллар армони. *Балки, ўз набиралари қучоғида осуда ҳаёт кечираётгандир? Ҳар уруш суронлари ёдга тушганда, юракда бир оғриқ билан сизларни эслар*? «Шарқ юлдузи».

СУРОНЛИ 1 Шовқин-сурон, ғовур-ғувур билан тўлган; шовқинли. *Суронли жанглар.* ▬ *Никоҳ тўйи фавқулодда суронли ва тантанали бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Дабдабали, бўронли. *Суронли йиллар.*

СУРП Сидирға ип газлама ва ундан тикилган кийим. *Оқ сурп. Қора сурп. Сурп яктак.* ▬ *Корхонанинг 2-тўқув цехи жамоаси ноябрь ойида 85200 метр хом сурп тўқиб, режа топшириқларини бажарди.* Газетадан. *Меҳмонлар кун оққанда келишди. Ҳаммаси силлиқ дазмолланган қора шим, енги калта оқ сурп кўйлак кийишган.* С. Нуров, Нарвон. *Майкачан, оқ сурп иштон.. кийган Аҳмад бригадир пайкалда ўт ўраётган эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

Хом сурп *айн.* **без** II.

СУРПА *шв. айн.* **супра**.

СУРРА 1 Кенг ола-була йўлли маҳаллий нимшойи мато. *Бир жўра сурра. Сурра тўн.* ▬ *Адҳамбой маъракасидан кийган сурра пўшакни.. волидангиз ҳайф кўрди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Шундай матодан тикилган тўн. *Сурра тўн.*

СУРРАНГ *айн.* **сур** III **2**. *Сурранг ипак.* ▬ *Бу кўчаларнинг тупроғи ҳам бошқа: йўлкаларга сурранг майда шлак тўкилибди, юрганда ғичир-ғичир қилади.* А. Мухтор, Опасингиллар.

СУРРОГАТ [*лот.* surrogatus – бошқасининг ўрнига қўйилган] **1** Бирор нарсанинг ўрнида ишлатиладиган, лекин унинг ўрнини тўла боса олмайдиган, унинг хоссаларигагина эга бўлган нарса. *Озиқ-овқат суррогатлари. Сахарин – қанднинг суррогати.* ▬ *Тўғри, на матнининг, на оҳангининг тайини йўқ, маза-матрасиз ашулалар, тақлид ва кўчирмакашликдан иборат суррогатлар ҳам кам эмас.* Газетадан.

СУРСАТ *эск. фольк.* Ўлпон, солиқ. *Учқур эдинг, қанотингдан қайрилдинг, Югурук бўлсанг, туёғингдан тайрилдинг, Биз овқатдан, сен сурсатдан айрилдинг.* «Алпомиш».

СУР-СУР 1 Тиқилинчдаги ур-йиқит ҳаракати, бир-бирини туртиб-суртиб, итариб, босиб бориш. *Бозордаги сур-сур.* ▬ *Давидни сур-сур қилиб, қоронғи бир хонага олиб кириб кетишди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

2 Жанжал, олишув, тортишув. *Бу ғалва, сур-сур бўлиб, Қори ўша баттол амин билан чап бўлиб қолади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

СУРТКИ I *шв.* Сочиқ лунги.

СУРТКИ II: **суртки дори** Ярага ёки оғриқ жойга суркаладиган дори.

СУРТМОҚ 1 *айн.* **суркамоқ.** *Деворларга бўёқ суртмоқ. Юз-қўлига совун суртмоқ.* ▬ *Пайғамов лабига, чаккаларига билинар-билинмас атир суртди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Аҳмад бригадир боласи олиб келган пиёзни белбоғидаги пичоқ билан иккига бўлиб, сувини боланинг бармоғига суртди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Чол икки қўлини юзига суртди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Артмоқ, артиб-суртиб тозаламоқ. *Гўрўғли қандай таом бўлмасин, еб бўлгандан кейин, агар сув ўрнига заҳар ичса ҳам, шу рўмол билан оғзини суртса, еган-ичгани баданига мойдай эриб, сингиб кетар эди.* «Гулшанбоғ».

Бурнига кесак суртмоқ Лақиллатиб, бирор нарсадан қуруқ қолдирмоқ, чув туширмоқ; фириб, панд бермоқ. **Кўзга** (*ёки* **юзга) суртмоқ** *қ.* **кўз.** *Кўзга суртиб, фарзанд, дедим, ўзингни, Жон борида суртдим кўзга изингни.* «Маликаи айёр». **Оёғига юз суртмоқ** 1) оёғига йиқилмоқ, бош урмоқ, ялиниб, илтижо қилмоқ; 2) тавоф қилмоқ, кимсани муқаддас билиб зиёрат қилмоқ.

СУРУВ Қўй-эчки подаси. *Сурув боқиб, қир бағрида юрдингми, Қўйлар боқиб, хўб кайфингни сурдингми*? «Гулихиромон». *Илгарилари Усмонали дўхтирнинг қўли қўлига тегмасди. Ҳали мол фермасида, ҳали яйловга чиқиб кетган қўйлар сурувида, ҳали тоғда ўрмалаб юрган эчкилар орасида.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

СУРУНКАЛИ Сурункасига, бетўхтов давом этадиган; узлуксиз. *Сурункали ёмғир.* ▬ *Сурункали бавосирга янтоқ аралашмасидан тайёрланган малҳам қўлланади.* «Фан ва турмуш».

Сурункали касаллик Тузалиши қийин бўлган, давомли ёки ҳеч тузалмайдиган касаллик.

СУРУНКАСИГА *рвш.* Муттасил равишда, узлуксиз, бетўхтов. *Тўрт йил сурункасига битта ўқишга кираман деб.. бу йигитнинг қийинчиликларни писанд қилмаслиги [Сатторни] ҳайрон қолдирди.* Ў. Усмонов, Қисмат. *Башарти бу ҳол сурункасига давом этадиган бўлса, ўқувчи сержаҳл бўлиб қолиши мумкин.* «Фан ва турмуш».

СУРУР [*а.* سرور – шодлик, хурсандчилик, шодиёна] *поэт.* Шод-хурсандлик ҳисси, нашъаси; севинч, қувонч. *Кўклам нохуш кўнгилнинг бир четини ёриштириб турар, сурур, севинч бағишлар, кўркини «кўз-кўз» қиларди.* М. Хидир, Қирғоқлар. *Шамдонлардан шамлар ҳам гўё Ёруғ тортди – қўшилди сурур.* Х. Даврон, Тўмариснинг кўзлари.

СУРХ [*ф.* سرخ – қизил, қирмизи; қизартириб қовурилган] Ёш, янги, сурхун (новда ҳақида). *Сурх новда.* ▬ *Зум ўтмай, тутнинг сурх новдалари орасидан бошқаси учиб чиқиб, унга қўшилди. Кейин қир устида сўфитўрғай нозик чулдиради.* М. Мансуров, Ёмби.

СУРХОН Узум турларидан бирининг номи ва шу узумдан солинган майиз.

СУРХУН [*ф.* سرخون – тўқ кулранг] *айн.* **сурх.** *Ерга дув этиб қор тўкилди. Ёш сурхун новдалар оғир юкларидан бўшаб, қадларини кўтарди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

СУРЪАТ [*а.* سرعت – тезлик, жадаллик; шошилиш, ошиқиш] **1** Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг жадаллик даражаси; тезлик; шошилиш. *Қурилиш суръати. Иш суръатлари тобора ошмоқда.* ▬ *Қурилиш иши қишин-ёзин тўхтамайди, жадал суръат билан кетиб.. муддатдан анча бурун битди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *эск. айн.* **тезлик 2**. *Лекин ул ҳаромзодаи бедин орқамдин тамоми бир суръат билан қувлаб келур эрди..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

СУРҒУЧ 1 Тез эриб, тезда қотадиган рангдор смола ва мум қотишмаси. *Қизил сурғуч.*

2 Шундай смола ёки мумдан фойдаланиб босилган тамға, қопқоқ ва ш. к. *Қулфнинг сурғучини кўчирмоқ.* ▬ *Полвон этигининг қўнжидан пичоқ олиб, унинг сопи билан бутилка учидаги сурғучни уриб туширди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

СУРҒУЧЛАМОҚ Сурғучдан фойдаланиб тамға босмоқ ёки қопқоқламоқ. *Қулфни сурғучламоқ.* ▬ *Даҳлиздан унинг [Нозимнинг] нимадир деганча хохолаб кулгани эшитилди. Хиёлдан сўнг каттакон биллур бодияда шарқона аччиқ-чучук ҳамда оғзи сурғучланган узунчоқ бир шишани столга келтириб қўйди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

СУС: кўнгли сус кетмоқ Кўнгли жуда ҳам тусаб кетди. *Кўнглим олмага сус кетди.*

СУСАЙИШ 1 Сусаймоқ фл. ҳар. н. *Суръатнинг сусайиши.*

2 Кейинга кетиш, таназзул.

СУСАЙМОҚ 1 Илгариги кучини, шиддатини йўқотмоқ; секинлашмоқ, пасаймоқ. *Нусратбекнинг ташидаги титроқ бир оз сусайди, секин, вазмин, салмоқ билан одимлаб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Ҳарсиллашлар сусайиб, тиқ этган товуш ҳам аниқ эшитилади. Қаердадир, ер остида, юмронқозиқ ниманидир кемиради.* М. Мансуров, Ёмби. *Ниҳоят, чаккасидаги шанғиллаш сусайиб бориб, алланарса жинг этди-ю, қулоқлари очилиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Шаштидан қайтмоқ, илгариги ғайратини, жўшқинлигини ёки қизиқишини йўқотмоқ; бўшашмоқ, пусмоқ. *[Кумуш] Кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Меъдаси сусаймоқ Меъдаси овқатни яхши ҳазм қила олмайдиган бўлиб қолмоқ.

3 Кучини, таъсирини йўқотмоқ, кучсизланмоқ. *У [Ҳакимбойвачча] юртдаги тинчсизликнинг сабабини диннинг сусайганидан, уламоларнинг халққа раҳбарлик қилмаганидан кўрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бўш қўйилганлик натижасида орқага кетмоқ, ёмонлашмоқ, пасаймоқ, бўшашмоқ. *Интизом сусайди.*

СУСПЕНЗИЯ [*лот.* suspensio – илиш, осиш; илиниш, осилиш] *физ.* Таркибида майда қаттиқ зарралар муаллақ ҳолда бўлган суюқлик. *Бу туманнинг деярли ҳамма хўжаликларида хлорелла суспензияси ишлаб чиқарадиган қурилмалар ишлаб турибди.* «Фан ва турмуш».

СУСТ [*ф.* سست – бўш, кучсиз, нимжон; бўшанг, ланж; қатъий эмас; зич эмас] **1** Унча кучли, шиддатли бўлмаган; секин, паст.

Суст оқим. Суст олов. ▬ *Тез маслаҳат ёвнинг бўйнин эгдирур, Суст маслаҳат бул ўлжадан қуйдурур.* «Гулихиромон». *Эрталаб туриб, газета варақлашга юрагим дов бермайди. Нега қўрқаман, нимага ишончим суст?* А. Мухтор, Асарлар.

2 Секин иш қиладиган, камфаол, имиллаган; сусткаш. *Суст одам. Бозор суст. Қўли суст косибдан оёғи чаққон гадой яхши.* Мақол. ▬ *Омборхоналар таъминоти суст амалга оширилянти.* Газетадан.

3 Ланж, бўшашган. *Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлади.* Мақол.

СУСТКАШ [*ф.* سستکش – ланж, беғайрат] Секин қимирлайдиган, имиллаб иш қиладиган; суст, ланж. *Сусткаш одам. Сусткаш уста.*

СУСТКАШЛИК Суст бўлишлик, имиллашлик, бўшашганлик, ланжлик. *[Али тажанг] Элатлари қошига келиб ёнбошлагач, унинг эски сусткашлиги тўғрисида ҳазил қилишди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қийинчиликларни баҳона қилиб, сусткашлик қилсак, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни бой бериб қўйишимиз мумкин.* Газетадан.

2 Сусткаш одамларга хос хатти-ҳаракат, суст иш; сустлик.

СУСТЛАНМОҚ Суст бўлиб қолмоқ, секинламоқ, пасаймоқ, сусаймоқ. *Султонали бир оз сустланиб, ўзидан ўн от одими йироққа борган тунқотарни чақириб тўхтатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СУСТЛАШМОҚ 1 Тобора сусайиб, секинлашмок, пасаймоқ. *Иш сустлашди.* ▬ *-Диёра, – мурожаат қилди Жонибек негадир тобора қадам олиши сустлашиб.* «Шарқ юлдузи». *Исми тилга олиниши билан Ажабнинг нафас олиши сустлашди.* «Шарқ юлдузи».

2 *айн.* **бўшашмоқ** II **6**. *[У] Интизомнинг сустлашиб кетаётганини, бунга баъзи командирларнинг ўзлари ибрат кўрсатаётганларини.. сўзлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

СУСТЛИК 1 Шашти пастлик, ғайратсизлик; кучсизлик; ланжлик. *Йигитлик – мастлик, Қарилик – сустлик.* Мақол. ▬ *Юсуфбек ҳожи.. ўғлининг бу сустликка ўхшаб кўринган ҳолини ёмонга йўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Суст одамларга хос хатти-ҳаракат, суст иш; сусткашлик. *Ўртоқлар.. ишга келганда, сустлик, ҳафсаласизлик қилишди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

СУТ 1 Одам (аёл) ва сутэмизувчи ҳайвонларнинг лактация даврида сут безларида ишлаб чиқариладиган, янги туғилган наслни озиқлантирадиган мураккаб кимёвий таркибли оқ рангдаги суюқлик. *Сут безлари. Бола йиғламаса, она сут бермайди.* Мақол. ▬ *Кўкрагимда сутим деб, Юрагимда ўтим деб, Энаси шўр йиғлайди, Қайдасан, Аҳмадим, деб.* «Ойсулув». *Искандар елинининг сўрғичдек учларидан тиз-тиз отилиб чиқиб, хурмага оппоқ ипдек пов-пов чўзилиб тушаётган сутга ҳайрат билан тикилиб қолди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Сигир, қўй, эчки ва ш.к. чорва молларининг эмчагидан соғиб олинган шундай суюқлик (овқат ва маҳсулот сифатида). *Сигир сути. Ёғли сут. Сут саноати. Сут маҳсулотлари. Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичар.* Мақол. ▬ *Кечаги чоршанба бозорда бир сигир олдим денг, егани қуруқ хашагу сутига қошиқ ботмайди – шундоққина қаймоқ.* «Аския». *Ошқозонда ҳазм бўлиб кетиши зарур бўлган дориларни сут билан ичиш мутлақо мумкин эмас.* «Фан ва турмуш».

3 Баъзи ўсимликларнинг танаси, пояси ёки ҳосилидаги оқ суюқлик. *Семизўтнинг сути. Думбул жўхорининг сути.* ▬ *Бир куни Файзулла билан сути қотган думбул ўрикларни териб олиб, жуфтми-тоқ ўйнаб ўтирсак, кўчада биров чақиргандай бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Она сути оғзига келмоқ *қ.* **оғиз.** *Наинки сен, ишлайверсак, бизларнинг ҳам, бил, Оғзимизга келиб қолар она сутимиз.* А. Орипов, Йиллар армони. **Она сути оғзидан кетмаган** Ҳали ёш, турмушнинг аччиқ-чучугини, тажрибасини кўрмаган; гўдак. *Она сути оғзидан кетмаган бола.* **Она сутидай ҳалол (***ёки* **пок)** *қ.* **она. Оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ** *қ.* **оқ. Сут билан кирган жон билан чиқади** Ёшликдан ўрганган одат ўла-ўлгунча сақланади, деган маънода ишлатиладиган матал. *Махдум.. Анварнинг бирор камбағал билан "ёзилишиб" ўтирганини кўрса.. "сут билан кирган, жон билан чиқар, мақоли кўп тўғри сўз", деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Сутдан оқ, сувдан тиниқ** Беғубор, пок, бегуноҳ одам ҳақида. **Хом сут эмган банда** (ёки **инсон)** *қ.* **эммоқ.** *Исҳоқ Махсум билан Уста Мўмин ҳам хом сут эмган банда эдилар.* Газетадан.

СУТАК 1 *айн.* **тентаккуш.**

2 *қ.* **сӯтак**.

СУТКА [*қад. р.* сутки – кун билан туннинг туташиш жойи, чегараси] Бир кеча-кундузга, 24 соатга тенг вақт ўлчов бирлиги ва шу ўлчовдаги вақт. *Ойни тадқиқ қилишнинг амалий томонлари ҳам бор. Аслида Ой ракетада Ердан бор-йўғи бир неча суткалик йўл.* «Фан ва турмуш». *Одамга бир суткада бир килограмм нон ва умуман овқат, бир-икки литр сув ва йигирма беш килограмм ҳаво зарур.* «Фан ва турмуш». *Сутканинг ёруғ қисми тобора қисқариб бормоқда.* «Ёшлик».

СУТКАЛИ 1 Белгили сутка давом этган, сутка билан ўлчанадиган. *Икки суткали парвоз.*

2 Бир сутка давомида юз берадиган. *Қуёшнинг суткали ҳаракати.*

СУТКАЛИК Бир суткага тўғри келадиган. *Суткалик иш ҳақи. Суткалик ўртача ҳарорат.*

СУТЛАМА Адир, қир ва тоғларда ўсадиган, заҳарли сут ширали кўп йиллик ўт.

СУТЛИ 1 Ичида сути бор. *Сутли идиш.*

2 Таркибида сути бўлган. *Сутли ўт.*

3 Сут солинган, сут қўшилган. *Сутли кофе.*

4 Сут берадиган, соғиладиган; соғин. *Сутли сигир.* ▬ *Зотли молим, хўш-хўш, Сутли молим, хўш-хўш.* «Қўшиқлар».

СУТПЕЧАК Пояси чирмашиб ўсадиган, барглари юраксимон ёки уч бурчакли бегона ўт; илонпечак. *Сутпечак ғўза тунлами ва бошқа зараркунандалар кўпайиши учун макон (вазифасини бажаради).* «ЎзМЭ».

СУТТИКАН Поясида сутсимон шираси бўлган, тик ўсадиган бегона ўт; чойяпроқ.

СУТУН [*ф.* ستون – устун; тиргак, тирговуч] **1** Устун, столба, колонна. *Пештоқ сутунлари.*

2 Газета, журнал ва ш.к. нинг ҳар бир устуни. *Газета ҳар сонида шаҳар ободонлигига айрим сутун берадиган бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *айн.* **графа 1.**

СУТХЎР Сутни яхши кўрадиган, кўп сут истеъмол қиладиган. *Сутхур бола.*

СУТХЎРЛИК 1 Сутни яхши кўришлик.

2 Мириқиб сут ичиш. *Сутхўрлик қилмоқ.*

СУТЧИ Сут соғувчи ва сут сотувчи. *Сутчи аёл.* ▬ *Оппоқ тонг отган эди. Шаҳар кўчаларига бирпасда жон кириб, асфальт йўлакларда тўқ-тўқ оёқ товушлари.. сутчиларнинг чақириқлари эшитилди.* А. Мухтор, Чинор.

СУТЧИЛИК 1 Сут сотиш билан шуғулланиш. *Сутчилик қилмоқ.* ▬ *Шу тўртинчи йилда аъзолардан йиғилган сут, қатиқ, сузма ва сариёғларни сотиш учун шаҳарда сутчилик дўкони очилди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Сут етиштириш. *Сутчиликни ривожлантириш. Сутчилик фермаси.*

СУТЭМИЗУВЧИЛАР *зоол.* Болаларини ўз сути билан боқувчи умуртқали ҳайвонлар синфи. *Сутэмизувчилар ер юзидаги Шимолий қутбдан тортиб Антарктида қирғоқларигача бўлган барча ҳудудларни эгаллаган.* «ЎзМЭ».

СУТҚОН Заҳарли сути бўлган ўсимлик, сутламанинг бир тури.

СУФ *этн.* Дам солганда, дуо ўқиганда, беморга ёки унга бериладиган нарсага нафас уриб чиқариладиган товуш; куф-суф.

Суф демоқ 1) дам солиб, дуо ўқиб нафас урмоқ. *Дадам раҳматли “туф” десалар, сувни тескари оқизиб, “суф” десалар, кўрнинг кўзини очиб юборадиган улуғ зот эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола; 2) *кўчма* воз кечмоқ, йиғиштирмоқ; ташламоқ. *Суф де шофёрлигигаю берадиган олти юз сўлкавойига! Қачон пулга зориқсанг, менга келабер.* А. Мухтор, Туғилиш. **Суф сенга** (*ёки* **сизга)** *кест.* Баракалла сенга (сизга). *Қанақа одамсиз ахир. Суф сизга-е! ..сиз билан ҳазил қиляпмиз-а?* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

СУФИЙ [*а.* صوفى – жун газламага оид; тасаввуф вакили, зоҳид < صوف – дағал жун газлама] *дин.* Тасаввуф, суфийлик издоши, давомчиси, мухлиси.

СУФИЙЛИК *дин. қ.* **тасаввуф.**

СУФ-КУФ *айн.* **куф-суф.**

СУФЛАМОҚ Дам солиб, дуо ўқиб нафас урмоқ, суф демоқ. *Домла.. дуо ўқиб, отга дам урди, суфлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

СУФЛЁР [*фр.* souffleur < souffler – уқтирмоқ, ўргатмоқ; секин айтиб турмоқ] Театрда саҳнага чиққан артистларга уларнинг сўзларини, томошабинларга кўринмайдиган махсус жойда туриб, айтиб бериб, эслатиб турувчи ходим. *Тажрибали суфлёр. Суфлёр будкаси.* ▬ *Театримизда.. режиссёр, костюмер, суфлёр.. ҳаммаси бор, фақат раҳбар йўқ.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

СУФФИКС [*лот.* suffixus – қадалган, бириктирилган] *тлш.* Сўз ўзагига қўшилиб, унинг маъносини ўзгартирадиган ёки бошқа сўз билан боғлаш учун хизмат қиладиган морфема; қўшимча. *Сўз ясовчи суффикс.* ▬ *..сувчи, олмазор, онахон, китоблар сўзларидаги -чи, -зор, -хон, -лар қўшимчалари суффикслардир.* «ЎзМЭ».

СУХАН [*ф.* سخن – нутқ; сўз, ибора, суҳбат] Сўз; гап; суҳбат. *Сухан қилмоқ. Сухан бошламоқ.* ▬ *Бу золим фалакдан минг дод айлайин, Қулоқ солгин, тўрт-беш сухан сўйлайин.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Китобу достон бир қанча назму наср ила ёздинг, Сухан майдонида жавлон қилиб топдинг зафар, Жомий.* Ҳабибий, Девон.

СУХАНБОЗЛИК 1 Суҳбат, гаплашиш, чақчақлашиш. *У [Раъно] ҳовлида Нафисахон, кампир бувилар билан ҳам жиндек суханбозлик қилиб, шатиллаганча жўнади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *айн.* **сафсатабозлик 2.** *Навоий суханбозлик қилмаган, масаланинг моҳиятини асло жўн тушунмаган.* «Ёшлик».

СУХАНВАР [*ф.* سخنور – ёзувчи, шоир; нотиқ, сўзамол] **1** *айн.* **сухандон 1**. *Қулоқ солинг суханварнинг сўзига, Ўзи тирик, душман тушмас изига.* «Хушкелди».

2 Ширинсўз, ширинсухан. *Бўз қарчиғай эдинг, парвоз айладинг, Суханвар тўтисан, ҳар хил сўйладинг.* «Равшан».

3 Кўп гапирадиган; сергап.

СУХАНВАРЛИК 1 Гапга чечанлик, сўзамоллик.

2 Ширин суҳбат. *Бунда келинг, иним, бир нафас суханварлик қилайлик.* Ойбек, Навоий.

СУХАНГАР [*ф.* سخنگر – сўзловчи, гапирувчи] *айн.* **суханвар 1, 2, 3.** *Ана энди шу хушвақтликда кундуз куни кўпкари, тўй, кечаликка созанда, дуторчи, оҳангар, сухангарлар сўз айтади.* «Юсуф ва Аҳмад».

СУХАНДОН [*ф.* سخندان – сўзни билувчи; силлиқ, равон гапирувчи; ёзувчи, шоир; нотиқ] **1** Гапга чечан, сўзамол; нотиқ. *Олурман баҳра ҳикматли сўзингдан, Сухандонсан, сухандонсан, сухандон.* Ҳабибий, Девон. *Қулоқ солинг сухандоннинг тилига, Булбул ошна бўлар боғнинг гулига.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

2 Бадиий сўз устаси. *[Шоҳ ал-Форобийга деди:] Сен дониши сухандонсан, биламиз, ҳазил-мутойиба қилмоқдасан.* А. Мухтор, Чинор. *Кечалари сухандонлар сўз айтиб, Келганларнинг димоғини хушлади.* «Гўрўғлининг туғилиши».

3 *айн.* **диктор**. *Радио сухандони.*

СУХАНДОНЛИК Гапга чечанлик, сўзамоллик. *Теша кўнгилчан сухандонлик билан Севаргулга чой қуйиб узатди.* «Ёшлик». *..Аёл боши билан баъзи «шоири замон»ларни сухандонликда мағлуб этгани эл орасида гап бўлиб кетган.* «Ёшлик».

СУХАНЧИН [*ф.* سخنچین – гап терувчи; ғийбатчи, чақимчи; гап ташувчи] Гап ташувчи, бировнииг гапини бировга етказиб юрувчи; ғаламис; чақимчи. *Суханчи одам.*

СУХАРИ [*қад.р.* сухара – қуриган дарахт < сухой – қуруқ, қуриган, қотиб қолган] Япроқ-япроқ қилиб, қирқиб қуритилган нон. *Ширин сухари. Сухари билан чой ичмоқ.*

СУХСУР 1 *айн.* **суқсур 1.**

2 *кўчма айн.* **суқсур 2.** *Вой, бўйгинангдан онагинанг айлансин! Бунча сухсур экансан, худди сутга чўмилтиргандай-а!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

СУХСУРДАЙ, -дек 1 Сухсур каби чиройли. *Сизнинг ўз ўғлингиз бўлиши керак, сухсурдай жувонсиз..* А. Мухтор, Кумуш тола. *Хонадонга кирганига икки ҳафта ўтмай, Зеби исмли бўйига етган сухсурдек қизини никоҳ қилиб, қўшиб қўйди.* Газетадан.

2 Кап-катта, кўзга кўринган. *Йигитлар ўтди.. Этак остида қолган Комилжон укам ҳам сухсурдай йигит бўлди.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

СУЧУК *айн.* **чучук.** *Тиллари сучуккина, Бурниси пучуққина.* «Қўшиқлар».

СУЧУКТОМОҚ Ширинликни яхши кўрадиган, чучуктомоқ, ширинтомоқ.

СУШИЛКА [*р.* сушить – «қуритмоқ, намини, сувини қочирмоқ» фл. дан ясалган от] **1** Бирор нарсани қуритиш учун хизмат қиладиган қурилма. *Газ сушилка. Электр сушилка.*

2 Шундай қурилма ўрнатилган хона, жой. *Пахта сушилкаси.* ▬ *[Жўрабой] Кечалари сушилкада, пунктда юриб, алла-паллада уйига қайтар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

СУЮК Энг яхши кўрилган, севикли. *Боболардан сўзладим, аммо Бир зот борким, баридан суюк: Буюкларга бахш этган даҳо, Она халқим, ўзингсан буюк.* А. Орипов, Йиллар армони.

СУЮКЛИ *айн.* **суюк**. *Кўзимга зиндон бўп тахту жаҳоним, Ҳасратим кўп, йўқ суюкли ўғлоним.* «Эрали ва Шерали». *Менинг пушти камарим бу – суюкли ўғлим, Нуридийдам васли учун тангрига шукур.* А. Орипов, Йиллар армони.

СУЮЛМОҚ I **1** Маълум даражадан суюқроқ бўлмоқ. *Лойга сувни кўп қуяверманг, суюлиб кетади.*

2 *физ.* Сиқилиб ёки эриб, суюқ ҳолга келмоқ (газ ёки қаттиқ жисмлар ҳақида).

Мияси суюлмоқ Ақли пасаймоқ, мияси айнимоқ. *Махдум уламо, амалдор ва ғайрилардан шунинг каби сипоришларни.. қабул қила-қила, жуда мияси суюлган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган** Ёши анча улғайган бўлса-да, бемаъни ишларини, одатларини, қилиқларини ташламаган одам ҳақида. *-Ҳали ҳам ўша шилқимлигинг қолмабди. Қариб қуюлмабсан, ачиб суюлмабсан, – деди мулла Мамасолиҳ Худҳуд сўфига.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

СУЮЛМОҚ II Сийлаган, ҳурмат-иззат қилган ёки эркалатган сари ҳаддан ошмоқ, чегарадан ташқари иш қилмоқ. *Раҳимов Масафоевни чап ёнидаги жойга чақирди. Бунақа пайтларда Масафоев жуда суюлиб кетарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *-Хумор бўлганда қандоқ! – дедим бир оз суюлиб.* Газетадан.

СУЮМЛИ *айн.* **суюкли.** *Сиз туш кўринг севгилингизни! Соҳилларга боринг у билан. Айтилмаган энг суюмли сўзларингизни Унга айтинг!* «Ёшлик».

СУЮНАРЛИ *айн.* **севинарли.**

СУЮНМОҚ *айн.* **севинмоқ.** *Яхши сўз суюнтирар, Ёмон сўз куюнтирар.* Мақол. *Ёз куюнган қиш суюнар.* Мақол. ▬ *Авазни кўриб, Рўзимбой суюнди, дарров патнис тўла ширинлик, ёлғиз чинни чойнагида чой келтирди.* С. Сиёев, Аваз.

СУЮНЧ *айн.* **севинч**. *Фақат.. қўлга кирган ҳар ўлжа Дармон, қувват, суюнч беради.* Миртемир, Асарлар. *Беҳад суюнч ила қайтаман, Шу йўл.. бироқ еллар мулойим.* Миртемир, Асарлар.

СУЮНЧИ Бирон қувончли воқеа тўғрисида хушхабар келтирувчига бериладиган совға, мукофот; севинчи. *-Э, аҳмоқ кампир, бир норнинг баҳоси минг тилла бўлмас-у, сенга мен суюнчига минг тилла берайми?!* «Нурали». *Зулфлари сунбулинг келди, Гўрўғли, бергин суюнчи!* «Гулнорпари».

СУЮНЧЛИ *айн.* **севинчли.**

СУЮРҒОЛ [*мўғ.* сўёрхўл – инъом, совға қилиш] *тар.* Шоҳ, хон, амир томонидан амалдор ва саркардаларга салтанат олдида кўрсатган алоҳида хизмати учун инъом қилинган ер-сув, мол-мулк. *Амир Темур ўзининг энг истеъдодли саркардаларидан бири – амир Шоҳмаликка бир қанча ерларни суюрғол қилиб берган.* «ЎзМЭ».

СУЮҚ 1 Оқиш ва ўзи ишғол қилиб турган идиш шаклини олиш хусусиятига эга бўлган. *Суюқ жисм. Суюқ модда. Суюқ ёқилғи.* ▬ *[Суюқ шиша] Кимёвий фаол, қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалар билан реакцияга киришади.* «ЎзМЭ».

2 Суви меъёридан ортиқ ёки нисбатан кўп бўлган; серсув. *Яна бир кетмон урганда, ажриқзордан билқиллаб суюқ лой чиқди-да, кейин кучли тиниқ сув тикка отилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Маза, куч берувчи таркибий қисми меъёридан кам ёки нисбатан оз бўлган; кучсиз. *Суюқ сут. Суюқ қатиқ. Суюқ эритма.* ▬ *Ҳайдарбойнинг кўримсиз чойнакларидаги қуюқ ва суюқ чойлари бу ердаги жуда кўп одамларнинг ҳам, ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам чанқовини босиб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Суюқ ош Угра оши, хўрда, мастава, мошхўрда ва ш. к. қуюқ бўлмаган овқатлар. *Шокир баззоз Аппон чолга қатиқ билан райҳонни узатди. У косасига керагини солиб бўлгач.. -Қани, Аппон, овқатга қара, – деб, косадаги суюқ ошни уч-тўрт бор шопириб қўйди.* «Ёшлик».

4 Унчалик қалин, зич бўлмаган, ҳаккам-дуккам, сийрак. *Суюқ тутун.* ▬ *Офтоб ҳали қор ташлаган суюқ, оқиш булутлар ортидан чиқмаган бўлса ҳам, тушга бориб, ҳамма ёқ илиб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

5 *кўчма* Мазмунан саёз, сийқа ёки бемаза. *Суюқ гап. Суюқ асар.* ▬ *-Постановканг ёғи олинган сутга ўхшайди, суюқ, – деб танқид қилдим.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

6 *кўчма* Фаҳш йўлига кирган; бузуқ. *Суюқ эркак.* ▬ *[Умар] Кўп юрди, кўп топди, топганини совурди. Албатта, у пуллар суюқ аёллар йўлига кетди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

СУЮҚЛАНМОҚ *айн.* **суюлмоқ** I. *Органик моддалар 350-380°да суюқланади.* «ЎзМЭ».

СУЮҚЛАШМОҚ 1 Суюқ ҳолга келмоқ, суюлмоқ.

2 *кўчма* Мазмунан саёзланмоқ, сийқалашмоқ ёки бемазалашмоқ.

3 *кўчма* Ахлоқий жиҳатдан бузулмоқ, ёмонлашмоқ.

СУЮҚЛИК 1 Оқиш ва ўзи ишғол қилиб турган идиш ҳажмини олиш хусусиятига эга бўлган модда. *Кичкинагина, пенициллин шишасида қандайдир оппоқ суюқлик эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Жазирама ёз кунлари янтоқ ўзидан сарғиш елимга ўхшаш суюқлик ажратиб чиқаради.* «Фан ва турмуш». *У кунда уч маҳал беморнинг қон томирига игна санчиб, аллақандай суюқлик юборади.* С. Сиёев, Аваз.

2 *физ.* Модданинг қаттиқ ва газсимон ҳолатлари ўртасидаги механик ҳолат. *Модданинг суюқлиги. Сутнинг қуюқ ёки суюқлигини ўлчамоқ.*

3 *кўчма* Суюқ кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат, юриш-туриш, қилиқ. *Кунлардан бирида у, беадаблик қилгани учун, бир шаддод қиздан шапалоқ егани эсида. Ўша-ўша, Валивой қизларга суюқлик қилмайдиган бўлди.* Ҳ. Назир, Онайизор.

СУЮҚ-ҚУЮҚ *айн.* **қуюқ-суюқ.** *Суюқ-қуюқдан кейин Моҳидилга оқ йўл тилашлар, беҳисоб истаклар баён қилинди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СУЮҒОЁҚ *айн.* **суюқ 5**. *Йўқ, келинни суюғоёқ дейиш хаёлига ҳам келмасди-ю, аммо бундай хотиннинг эри шу кенжа ўғлидақа бўлмаслигини аниқ биларди.* «Ёшлик». *Умиджон, гапингиз менга ёқди. Хотин суюғоёқ бўлса-ю, йигитман, деб юриш яхши эмас!* Мирмуҳсин, Умид.

СУЮҒОЁҚЛИК 1 Фаҳш йўлига кирган кишиларга хос хатти-ҳаракат. *Суюғоёқлик кўчасига кириб кетишда ўзи ва ота-онаси ҳам қайсидир маънода айбдор.* Газетадан.

2 Суюғоёқ, бузуқ эканлик; ахлоқан бузуқлик. *Раиснинг суюғоёқлиги элга жория бўлди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Бир куни онаси кўчадан, қайнонаси Фаридани суюғоёқлиги учун ҳайдаб юборганмиш, деган гап топиб келди.* «Ёшлик».

СУЯК 1 Одам ва умуртқали ҳайвонлар скелетининг ҳар бир қисми; сўнгак. *Ўмров суяги. Тизза суяги. Суяк оғриғи. Фил суяги.* ▬ *Суяк бутун бўлса, эт битиб кетар.* Мақол. ▬ *Бўрижоннинг ориқ, умуртқа суяклари бўртиб, қовурғалари саналиб турган қўш ҳўкизи омочни зўрға тортиб боряпти.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бобо.. умр бўйи кўксини бекитмаган, анордек қизғиш кўксидаги суяклар бўртиб чиқиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Одам қони таркибида, шунингдек, суягида ўттиздан зиёд элемент учрайди.* «Фан ва турмуш».

Суяги бузуқ Суяклари йўғон, бўлиқ, бўлали. **Суяги қотмаган** Етилмаган; ёш, гўдак. *Мен мағрурликка берилиб, суяги қотмаган ўғлимни бу қўшинга.. бош қилиб юбордим ва манманликнинг жазосини тортдим.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Суяклари чиққан** *(ёки* **саналиб қолган)** *айн.* **қуруқ суяк. Суяк-суягидан ўтмоқ** 1) бутун танасига, суякларигача таъсир этмоқ. *Тоғдан эсган изғирин одамнинг суяк-суягидан ўтиб кетади.* М. Осим, Карвон йўлларида; 2) руҳиятига жуда қаттиқ таъсир қилмоқ. *Бу сўзлар Нусратбекнинг суяк-суягидан ўтиб кетди.* С. Нуров, Нарвон. **Эти — сизники, суяги — бизники** Тўлиқ сизнинг ихтиёрингизга топширдик, ҳар қандай йўл, восита билан тарбиялаб, одам қиласиз, деган маънода қўлланадиган ибора. *Бола олти яшар бўлганда, подшо дастурхонни катта қилиб, боланинг қўлидан етаклаб, мактабга олиб борибди: -Эти — сизники, суяги — бизники, — деб домлага берибди.* «Луқмони Ҳаким». **Эти суягига ёпишган** *айн.* **қуруқ суяк.** *Тишлари тушиб, жағи-жағига киришиб кетган катта бувиси ҳассасини ерга тақ эткизиб урди-ю, қуришиб, эти суягига ёпишиб кетган башарасини буриштириб, шанғий бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Қуруқ** *(ёки* **қоқ) суяк** Жуда ориқ, озғин, қотма.

2 Сўйилган молнинг этли устухони (овқат сифатида). *Суяк қайнатмоқ. Суяк тозаламоқ.* ▬ *Гўшт суяксиз бўлмас, Шоли — курмаксиз.* Мақол. ▬ *Ахир сен ит эмасдингку, беланиб лойга, Бир-бирингни ғажисанг то суяк талашиб.* А. Орипов, Йиллар армони.

3 Этдан тозаланган устухон (хомашё, материал сифатида). *Суяк елими. Суяк ўймакорлиги. Суяк тугма. Суяк уни.* ▬ *Суякка гул чизиб, асбоблар (парма, аррача, эгов ва б.) ёрдамида ўйиб, нақшлар ҳосил қилинади ҳамда жилоланади.* «ЎзМЭ».

4 *сфт.* Жуда ориқ, озғин, *Суяк одам.* ▬ *Чол сесканиб, бошини кўтарди, йигитни*

қучоқлаб, суяк қўллари билан унинг елкасини силади. Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Авлод, насл; уруғ. *Султон суягини хўрламас.* Мақол.

..да суяги қотган Бирор ишда кўп ишлаган, вояга етган, чиниққан; тажрибакор. *Мени кичкина, нимжон деманг. Далада ўсганман. Кетмонда суягим қотган.* С. Аҳмад, Уфқ. **Пичоқ (бориб) суякка қадалмоқ** *(ёки* **тақалмоқ**, **етмоқ, тегмоқ**) Аҳвол чидаб бўлмас даражага етмоқ, сабр косаси тўлиб-тошмоқ. *Бас, пичоқ бориб суягимга етди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жон дўстим, пичоқ бориб суякка тақалди, бу кеча ҳам ухламай чиқдим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Суяги йўқ** Ҳеч нарсага йўқ демайдиган, қайтармайдиган; бирор нарсага ҳирс қўйган одам ҳақида. [*Қози:*] *Хотиржам бўлинг, бой. Қодирқул додхоҳнинг бунақанги ишларга суяги йўқ.* Ҳамза, Танланган асарлар. **Суяги тинч** Ғам-ташвишни билмайдиган, ҳеч ғами, ташвиши бўлмаган одам ҳақида. **Суяги тинчиб қолмоқ** Ғам-ташвиш, жанжал ва ш.к. дан қутулмоқ, ўзидан тинчиб, хотиржам бўлиб олмоқ. **Суягига** *(ёки* **суяк-суягига) сингимоқ** Одат тусига кириб, мустаҳкам ўрнашиб олмоқ, ўрганиш бўлиб қолмоқ. *-Ажабо, — деди Собиржон чиқиб кетаётган ҳалиги юпунгина чолга қараб, — мутелик ҳам одамнинг суяк-суягига мунчалик сингиб кетар экан-да.* «Шарқ юлдузи». **Суяк сурмоқ** *қ.* **сурмоқ.** *Ўзи суяк сурадиган бир дард экан бу.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Тилнинг суяги йўқ** Тилни тиймасанг, ҳар нарсани гапираверади, кўнгилга келганини қайтармайди. *Аввали уриш бўлмасин, уриш бўлгандан кейин, тил ўлгурнинг суяги йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СУЯКДОР Суяклари йўғон, бўлали, бўлиқ суякли. *Суякдор одам.* ▬ *Жундор билакларини тирсагидан пастроққача шимариб, маъракa қозондаги ошни ағдараётганда, ошпазнинг суякдор ёноқлари лоладек қизаради, текис, кенг пешонасига реза-реза тер қалқиб чиқади..* «Ёшлик». *Рустак — соч-соқоли оқарган, бир оз мункайиб, чўкиб қолган суякдор чол.* М. Осим, Карвон йўлларида.

СУЯКЛАНИШ *физиол.* Суякка айланиш. *Суякланиш жараёни.*

СУЯКЛИ *айн.* **суякдор.** *Суякли, бўйчан йигит.*

СУЯМ Ёзилган ҳолдаги кўрсаткич бармоқ учи билан бош бармоқ учигача бўлган масофага тенг узунлик ўлчови. *Фарҳод чўнтагидан уч суям занжир чиқариб, шаҳодат бармоғида айлантириб ўйнай бошади.* «Ёшлик». *Мана кураш эсдалиги, яхши қара: Бўксасида бир суямча ямоқ-яра.* Ғ. Ғулом.

Беш суям Тахминан бир метр. **Бир суям** Озгина, кичкина, бир парча. *Бир суям нон.* ▬ *Бир суям бўлса ҳам, ўз мулкингиз.* А. Қаҳҳор, Сароб.

СУЯМОҚ 1 Бир учини ерга, иккинчи учини бирор тик нарсага тақаб турғизиб қўймоқ; тирамоқ, таямоқ. *Ҳассани деворга суяб қўймоқ. Тепиб ўтма, суяб ўт.* Мақол. ▬ *У деворга суяб қўйилган ойболтага ташланди.* «Ёшлик».

2 Бирор еридан тутиб, кўтариб мадад бермоқ. *Кампир, азиз меҳмонларни ўтказгандан кейин, чолни суяб олиб кирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *[Соқи бобо] Уни қўлтиғидан суяб, отга миндирди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Оёқлари увушган бойни аравадан суяб туширишда букрига Тоштемир кўмаклашди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

3 *кўчма* Мадад, ёрдам бермоқ; қўлламоқ. *Сен йўғингда мени шулар суяб юришди-да.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

СУЯНМОҚ 1 Орқасини, елкасини, кифтини бирор нарсага тираб ўтирмоқ ёки турмоқ. *Деворга суянмоқ. Ёстиққа суянмоқ. Эчкининг таёқ егиси келса, чўпоннинг таёғига суянади.* Мақол. ▬ *Улуғбек чайқалиб, деворга суянди.* «Ёшлик». *Ая кейин кўрса, Кароматхон ҳам келиб, эшик кесакисига суянганча, гапларига қулоқ солиб турган экан.* А. Мухтор, Кумуш тола.

2 Гавда оғирлигининг бир қисмини бирор нарсага ташламоқ; таянмоқ. *Эгилган таёққа суянма, сени ҳам эгади.* Мақол. ▬ *Яхшибоев ўтирган харрагидан турди. Қўлидаги аждарбош ҳассасини ерга қўйиб, секин суянди, юрагига қулоқ тутди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Искандар эса беихтиёр сўри панжарасига оғир суяниб.. чуқур тин олди.* М. Мансуров, Ёмби.

3 *кўчма* Мадад олмоқ, ёрдамига таянмоқ, ёрдамига таяниб иш тутмоқ. *Халққа суянсанг — бўласан, халқдан чиқсанг — сўласан.* Мақол. ▬ *[Яхшибоев:] Қариган чоғингда одамнинг ҳар бири ғанимат: дардингни айтсанг, чайқалган чоғинг суянсанг.* М. М. Дўст,

Лолазор. *Тоғай ким — ёлғизқўл бир йигит. Ўлармон отасию пуф деса, довонга бориб тушадиган қилтириқ укасини демаса, бошқа суянадигани йўқ.* «Ёшлик».

4 Ишонмоқ, таянмоқ; асосланмоқ. *Мақсуд Солиев ўттиз йиллик иши давомида одамларнинг турфа хилини кўрди. У, тажрибасига суянган ҳолда, бир нарсага амин бўлди: жамият учун жиноятчидан кўра лоқайд одам хавфлироқ!* «Ёшлик».

Сувга суянмоқ Пуч нарсага, бебурд кимсага суянмоқ. *Сувга суянма, ёвга сиғинма.* Мақол. **Суянган тоғи** Ишонган кўмакчиси, ёрдамчиси, мададкори. **Суяниб қолмоқ** Бирбирига ўрганиб, бир-бирининг ёрдамисиз яшай олмай қолмоқ. *Чолу кампир бир-бирларига суяниб қолган, бир-бирларига жуда меҳрибон.* Ойдин, Ширин келди.

СУЯНЧ Таянч бўлиб хизмат қилувчи, мадад берувчи куч; таянчиқ, таянч. *Сендан ўзга ҳеч суянчим бўлмади, Не сабабдир — кулиб келдинг, Ёдгоржон?* «Алпомиш». *Бу дунёда бировга суянч бўлганинг қолади.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

СУЯНЧИҚ 1 Ўриндиқларнинг суяниш ёки тирсак тираб ўтириш учун хизмат қиладиган қисми. *Кресло суянчиғи.* ▬ *Илҳомжон машина эшигини очиб, ўриндиқ суянчиғини бир оз орқа суриб қўйди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *..деворга тираб қўйилган, орқа суянчиғига кафтдек ойна ўрнатилган эски диванда ўқитувчи ва тарбиячилар зич ўтиришибди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Унинг кўзи стул суянчиғига илинган кителига, шимига тушди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма айн.* **суянч.** *Оиланинг суянчи.* ▬ *Мусулмонқулнинг биринчи суянчиғи ўзининг одамлари бўлса, иккинчиси — уламолар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аввало, ўз тинчингизни ўйланг, ука. У киши сизга суянчиқ бўлоладими, йўқми — шуни ўйланг.* М. М. Дўст, Лолазор. *-Ўзимнинг улигинам (ўғилгинам), суянчиққинам, — деб эркаларди баъзан уни онаси..* «Саодат».

СУЯҒИЧ Суяб кўтариб туриш учун хизмат қиладиган нарса; тирговуч.

СУҚ 1 Бировнинг оғзидаги, қўлидаги, олдидаги овқатига ҳавас, суқлик билан қаровчи; бировнинг дастурхонига бетакаллуф суқилувчи; очкўз. *Оч тўяр, суқ тўймас.* Мақол. ▬ *Қосим суқ, Қорни қудуқ, Кўзи оч, Нафси қулоч.* «Бойчечак».

2 Ҳирс, эҳтирос; ҳавас. *Баширжон унга [Қирмизхонга] суқ билан тикилди..* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *[Йигит] Қизнинг қадди-қоматига суқ билан тикилди.* «Ёшлик». *Парво қилма. Омон-эсон Тошкент борайлик, бировнинг суқи тушмаганидан топиб бераман. Кўрибсанки, у ҳам шайдо, сен ҳам.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *этн.* «Ёмон кўз», кинна. *Даф бўл, фалокат шўртумшуқ, Тегирмонда туз еган суқ, кет, кет, кет, кет!* Ҳамза, Танланган асарлар. *Ажаб бўпти! Ўғлингизга ҳали бу ҳам оз! Бўлмаса Зулфия кимдан кам? Ҳуснига суқингиз киради.* О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

СУҚАТОЙ Суқ, очкўз бола; суқтой. *-Мен суқатой эмасман,— Набижон Арслон берган олмани олмади.* К. Раҳим, Суқатой.

СУҚИЛМОҚ 1 Суқмоқ фл. мажҳ. н. *Девор кавагига суқилган қозиқ. Қинга суқилган ханжар.* ▬ *[Чол:] Аммо-лекин шунақаям боплангки, уясига чўп суқилган асаларидай, ўзларини қаёққа уришларини билмай қолишсин.* О. Ёқубов, Қаҳрамон излаб.

2 Ичга, орасига ёриб кирмоқ, тиқилиб, орасига кириб жойлашмоқ; тиқилмоқ. *Танчага суқилмоқ. Кўрпа орасига суқилмоқ.* ▬ *Тоғ пинжига суқилиб, бир чойхона, бир кабобхона ҳам пайдо бўпти.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 Бошпана, нажот излаб, ўзини бирор ерга урмоқ, бош суқмоқ. *Суқиладиган бошқа кавак қолмади.* С Аҳмад, Ҳукм.

Бағрига (*ёки* **қучоғига, пинжига**) **суқилмоқ** Бағрига кирмоқ. *Назар ака икки-уч қадам ташлади, шу аснода қўлларини ёзиб очдики, ноилож бориб, бу улкан, бу забардаст одамнинг пинжига суқилдим.* М. М. Дўст, Лолазор.

4 *кўчма* Билдирмасдан ёки сурбетлик, зўрлик, хиралик билан бирор жамоа, ташкилот ва ш.к. га кириб олмоқ. *Милиция сафларини унга суқилиб кирган номуносиб кишилардан тозалар эканмиз, биз ошкораликдан чўчимаймиз.* Газетадан. *Кўпчиликка том устидан қарайдиган бу зотлар бундай пайтларда «мансабдан тушиб», кўпчилик орасига суқилишга мажбур бўлдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Қотишмоқ, аралашмоқ. *Орага Мастура хола суқилди: -Ҳа, юра турсин, синглингиз, меҳмон. Жуда соғиниб ўлганман.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *[Зулфия:] Мен уни деб..*

сизни ҳам, Рустам акамни ҳам хафа қилдим. Агар у келиб суқилмаганда, биз бахтли бўлардик. О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

Гапга (*ёки* **сўзга**) **суқилмоқ** Гапга аралашмоқ. *-Дугонажоним сизни еру кўкка ишонмайди, — дея гапга суқилди Муяссар хоним.* М. М. Дўст, Лолазор. *-Йўқотиб нима қилади, — деди Карим подачи гапга суқилиб.* «Шарқ юлдузи».

СУҚЛАМОҚ 1 *этн.* Суқ кирган кишини дам солиб «даволамоқ», кинна солмоқ.

2 *с. т.* «Суқ-суқ» деб қўймоқ (бошқа одам емасин деб тақиқлаб қўймоқ).

СУҚЛАНМОҚ Суқ назар, ҳавас ёки эҳтирос билан боқмоқ; ҳаваси келмоқ. *Суқланиб қарадим тонгнинг юзига, Бир қарашда оппоқ шоҳига ўхшар.* Уйғун, Тонг қўшиғи. *Сувга суқланар, Капалакка суқланар Ёруғ олам остонасида Бир куртак.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар. *-Ўзинг-чи? Гулзорга бўйин чўзган туядай, ҳар аёлга суқланасан! — деди Али тажанг жаҳл билан.* Ойбек, Қуёш қораймас.

СУҚЛИ Суқ-ҳавас билан тўлиб-тошган; ҳавасли, эҳтиросли. *Суқли назар.* ▬ *Нигора сувдан чиққанда, баданидаги томчилар гўё бегона суқли кўзларни қайтаришга қасд қилгандай, қуёш нурида марвариддек ялтирайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кенг қирларга суқли боқиб Борар эдим бир ўзим, Она юртим чиройига Тўймас эди ҳеч кўзим.* Шуҳрат.

СУҚЛИК Суқ эканлик, очкўзлик, тўймаслик. *Суқлик қилмоқ. Суқлик хўрлик келтирар.* Мақол.

СУҚМА Суқиб қўйиладиган, тиқма. *Суқма даста.*

СУҚМОҚ 1 Куч ёки зарб билан учли нарсани бошқа бирор нарсага киргизмоқ; санчмоқ, тиқмоқ. *Найза суқмоқ. Игна суқмоқ.* ▬ *Малик муаллим ялт этиб келинига қаради. Биров бигиз суқиб олгандай, кўкрагининг ости санчиб оғриди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Нусратбек ҳозир бу силлиқ башарага муштласа, игна суқса, тепкиласа ҳам, қонамаса, қизармаса керак.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Бирор нарса ичига, орасига жойламоқ, тиқмоқ. *Ханжарни қинига суқмоқ.* ▬ *Йўлдош эгилиб, бошини тиззаси орасига суқди. қўллари билан қулоқларини беркитди.* «Ёшлик». *Гавҳар зимдан Талъатга қаради. У бошини баланд кўтариб, қўлларини шимининг чўнтагига суқиб борарди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У [Искандар] бир қўли билан қопчиқни очиб, бир қўлини хумчага суқди.* М. Мансуров, Ёмби.

[Бировнинг] киссасига (*ёки* **ҳамёнига, чўнтагига**) **қўл суқмоқ** Бировнинг киссасига, пулига қўл урмоқ, хўжайинлик қилмоқ. *Ука, мен ҳақимни сўрайман. Бировнинг киссасига қўл суқаётганим йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бош суқмоқ** *қ.* **бош.** *Қодиров чайлага бош суқиб, ноз-неъматлар тўла дастурхонга кўз югуртирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Бурун суқмоқ** *айн.* **бурун тиқмоқ** *қ.* **бурун** I. *Ойқиз бўлса ҳаддан ошиб кетди, ҳамма ишга бурнини суқяпти.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Гапни гапир (***ёки* **айтгин) уққанга, жонни жонга суққанга** Гапни фикрингга, мақсадингга тушунадиган, сенга жон куйдирадиган одамга гапир, деган маънода ишлатиладиган матал. *{Бўтабой ака] «Тушунтириш керак» дейдилар, тўғри, лекин «гапни айтгин уққанга, жонни жонга суққанга, гапни айтиб нетарсан онаси бемаҳал туққанга!»* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Икки қўлини бурнига суқиб** *қ.* **бурун.** *Катта ўғлим билан икки қўлимизни бурнимизга суқиб, ўз уйимизга бордик.* С. Айний, Қуллар. **Кўзига чўп суқмоқ** *айн.* **кўзига чўп солмоқ** *қ.* **кўз**.

СУҚСУР Ўрдаксимонлар оиласига мансуб, патлари узун ва ингичка қуш. *Кўққамиш қўлидан суқсур учирдим, Суқсурни излаган лочин бўламан.* «Алпомиш».

СУҚСУҚ Ўрдаклар оиласига мансуб, ёввойи ўрдакдан кўра кичикроқ қуш.

СУҚТОЙ *айн.* **суқатой**. *Қўлидан нонини Қоплон опқочди: Унутган эди у суқтой кучугин.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар.

СУҚУТ [*а.* سقوط — йиқилиш, ағдарилиш; пасайиш, камайиш; ажралиш, кўчиш; йўқ бўлиш] *эск. кт.* Китобнинг, матннинг тушириб қолдирилган, етишмайдиган ери.

СУҒД, сўғд [*суғд.* سوز — куйиш, ёниш *ёки* سغد — ёмғир суви тўпланган сойлик; сернам, унумдор ер] *қ.* **суғдлар.** *Суғд халқи. Суғд тили.* ▬ *Суғд ёдгорликлари орасида Рустам ҳақидаги эпосдан парчалар (5—7-асрлар) катта адабий қимматга эга..* «ЎзМЭ».

СУҒДИЙ Суғдларга, суғд халқига оид.

СУҒДИЙЛАР *айн.* **суғдлар**.

СУҒДЛАР Зарафшон водийси ва Қашқадарё воҳасида яшаган қадимий эроний халқ; этник уюшма сифатида милоддан аввалги 12-11-асрларда пайдо бўлган. *Суғдлар Буюк ипак йўли халқаро муносабатларида катта нуфузга эга эдилар.* «ЎзМЭ».

СУҒДШУНОС Суғдшунослик мутахассиси. *Суғдшунос олим.*

СУҒДШУНОСЛИК Суғдларнинг тарихи, тили, адабиёти, маданиятини ўрганувчи фан соҳаси. *Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ўзига хос суғдшунослик мактаби вужудга келган..* «ЎзМЭ».

СУҒОРИШ 1 Суғормоқ фл. ҳар. н. *Ғўзаларни суғориш. Томчилатиб суғориш. Жилдиратиб суғориш.* ▬ *Айланма сув этакка бориб етганда, суғориш тамом бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Экин майдонларини сув билан таъмин этиш, сув чиқариш чора-тадбирлари ва воситалари мажмуи; ирригация. *Суғориш режими. Суғориш шохобчалари.* ▬ *Сувни тежаш тақозоси туфайли деҳқончиликда канал ва суғориш тармоқлари ўзанига темирбетон нов, қувур ёки плёнка ётқизиляпти.* «Фан ва турмуш».

СУҒОРМА Сув билан етарли таъминланмаган ҳудудларда вужудга келган қишлоқ хўжалиги экинларини суғориб етиштириш. *Суғорма шароитлар.* ▬ *Суғорма деҳқончилик экинлардан энг юқори ва барқарор ҳосил етиштиришни таъминлайди.* «ЎзМЭ».

СУҒОРМОҚ 1 Экин майдонларини, ўсимликларни сув билан таъминламоқ, сув қуймоқ. *Экин суғормоқ. Ғўзаларни суғормоқ. Йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб суғорасан.* Мақол. ▬ *Эшикка ярим бўйра ени ўсма эккан бўлсалар, шуни ҳам обкашда сув ташиб суғоришган.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Сув бермоқ, сув ичирмоқ. *Қўйларни суғормоқ. Туяни чўмич билан суғориб бўлмас.* Мақол. ▬ *Тоштемир қудуқдан бир неча марта сув чиқариб, отларни суғорди, охурларга беда солди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

3 *кўчма* («билан» сўзи иштирокида) Сингдирмоқ. *Меҳр, ғамхўрлик билан суғорилган тарбия, албатта, ўз самарасини беради.* Газетадан.

4 *тех.* Тобламоқ. *Пўлатни суғормоқ.*

СУҒОРУВЧИ 1 Суғормоқ фл. сфдш.

2 *айн.* **сувчи 1.**

СУҒУР Тийинлар оиласига мансуб, бўйни калта, кўзи катта, мўйнали кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Ўзбекистонда узун думли (қизил) суғур ва кўк суғур учрайди.* «ЎзМЭ». *..Судда ишлайдиган Лапасов иккита суғур тутиб беринглар, деб қанақа тиқилинч қилди.* «Ёшлик».

СУҒУРИЛМОҚ 1 Суғурмоқ 1, 2 фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Икки кундан кейин Аваз дўконига келиб, уни танимай қолди. Зулфин суғурилган, эшикка қоракуя билан катта қилиб «Кофир» деб ёзилган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Қиличлар қиндан суғурилди.* «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма с. т.* Билдирмай, сездирмай секингина чиқиб кетмоқ; сирғилмоқ. [*Сотқин] Ғала-ғовурдан киши билмас суғурилди.* «Ёшлик».

СУҒУРМОҚ 1 Ўрнашган жойидан куч билан тортиб чиқармоқ. *Илдиз суғурмоқ. Омбур билан мих суғурмоқ.* ▬ *Тушида қора матога ўралган киши унинг [чолнинг] соғ қолган ягона жағ тишини суғуриб олаётган эмиш.* «Ёшлик». *Холматжон сувсизликдан қорайиб кетган бир туп ниҳолни суғуриб олмоқчи эди..* С. Аҳмад, Уфқ. *Қассоб қийма кабобни сихдан суғуриб олиб, сабзидек тишлаб ерди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Тиқилган, ботган жойидан чиқариб олмоқ. *Мўйтаннинг кекса балиқчиси.. чориғини лойдан зўрға суғуриб, қора тутун ичига кириб кетди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Хамирдан қил суғургандай *қ.* **хамир**. *Узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган ортиқча кунлар, хамирдан қил суғургандай, осонгина йўқотилди.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Бирор ердан, тўдадан, муҳитдан ажратиб, узиб олиб кетмоқ. *Попукдай қизни иссиқ уясидан суғуриб, олиб келдим.* Ойбек, Улуғ йўл.

4 Солиб қўйилган, жойланган еридан чиқармоқ, чиқариб олмоқ. *-Бермайман дегин, ҳали шунақами? — аравакаш қалтираб турган қўллари билан пайпасланиб, ёнидан пичоғини суғурди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *У қиличини ғилофидан суғуриб, осмонда ярқиратди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

5 *кўчма* Сўриб, тортиб олмоқ; олиб қўймоқ. *Безгакни ҳазил фаҳмлама. Киши кучини суғуриб, шалпайтиради.* Ойбек, О. в. шабадалар.

6 Чиқариб юбормоқ, тарқатмоқ, ёзмоқ. *Унинг баданидан она тупроқ интизорлиги,*

жанг-жадал суронлари ҳордиғини суғуриб олаётгандай бўлди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Жонни (*ёки* **юракни) суғуриб олмоқ** Қаттиқ руҳий ёки жисмоний азоб бермоқ, ўлгудай қийнамоқ, жонини олмоқ. *Отаси энди Тоғайни таввбасига таянтирмагунча, бобосини таъриф ва тавсиф этавериб, жонини суғуриб олди..* «Ёшлик». **Таг-томири билан суғуриб ташламоқ** 1) бутунлай юлиб ташламоқ; 2) йўқ қилмоқ, бартараф этмоқ. **Тилингни суғуриб оламан** Дўқ-пўписа ибораси. *Аё кофир, билиб сўзла сўзингни, Тилларинг суғуриб, ўяй кўзингни.* «Маликаи айёр». **Юракдан** (*ёки* **кўнгилдан, миядан, хаёлдан**) **суғуриб олмоқ** Дилдан чиқариб ташламоқ, батамом унутмоқ. *[Туйғуной:] Бари бир, унинг {Раҳимовнинг] номини юрагимдан суғуриб ташлай олмайсиз.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

СУҒУРТА Табиий офатлар, турли бахтсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими. *Суғурта компанияси. Суғурта полиси. Суғурта шартномаси. Суғурта қопламаси.* ▬ *-Ҳукуматимизга раҳмат. Шартнома бўйича суғурта идорасидан пул олдим, — деди шофер йигит.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Одамларни, уй-жойларни, молҳолларни суғурта қилиб юрибмиз.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Пиримқул молия — Мустафонинг укаси, Галатепада томорқа солиғию суғурта пулини йиғади.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

СУҒУРТАЛАМОҚ Суғурта қилмоқ ёки қилдирмоқ. *Мол-мулкни суғурталамоқ.* ▬ *Суғурталаш мажбурий ва ихтиёрий шаклларда амалга оширилади.* «ЎзМЭ».

СУҒУРТАЛАНУВЧИ Суғурта қилинувчи шахс ёки томон. *Суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурталанувчи тезда бу ҳақда суғурта компаниясига хабар бериши зарур.* «ЎзМЭ».

СУҲБАТ [*а.* صحبت — бирлашма, уюшма; алоқа қилиш, муносабат, дўстлик] **1** Икки ва ундан ортиқ киши ўртасидаги ўзаро сўзлашув; мусоҳаба; гурунг. *Қизғин суҳбат. Гангир-гунгур суҳбат. Хушчақчақ суҳбат. Суҳбати ширин одам. Булоқнинг суви тиниқ, Дононинг — суҳбати.* Мақол. ▬ *Санжар Тилла суҳбат чоғи гинахонлик тарзида деди..* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Меъморнинг икки қўли орқасида, ошналарининг суҳбатига қулоқ солиб тургандек бўларди-ю, кўзлари юз қадамча нарида чодир қураётган шогирдларида, ўғил бола кийимини кийиб олган шаддод қизида эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Суҳбат қилмоқ (*ёки* **айламоқ, қурмоқ**) Йиғилишиб суҳбатлашмоқ, гаплашмоқ, мусоҳаба қилмоқ; гурунглашмоқ. *Аҳмон дев суҳбат қилмоққа мойил бўлди.* «Маликаи айёр». *Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоқлар.* Муқимий. *Чойхона сўриларида одамлар чой ичиб, суҳбат қуриб ўлтириптилар.* «Шарқ юлдузи».

2 Бирор мавзуда эшитувчилар билан фикр алмашинув, савол-жавоб тариқасида ўтказиладиган машғулот; мулоқот. *Экология ҳақида суҳбат.* ▬ *Муфтий ҳазратлари, сиз билан ахлоқ-одоб ҳақидаги суҳбатимиз аҳли жамоага фойда бўлади.* Газетадан.

3 *кўчма кам қўлл.* Ўтириш, улфатчилик. *Тантибойвачча.. базмини, суҳбатини кўрган.. кўп хотинларни энди секин-секин унута бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Адабсиз, баҳрасизлар суҳбатин ҳаргиз ҳавас қилма, Тўкилгай обрўйинг, беҳуда завқу сафодан кеч.* Ҳабибий.

СУҲБАТДОШ Суҳбатда иштирок этувчи киши, суҳбат қатнашчиси; суҳбатчи, ҳамсуҳбат. *Ажойиб суҳбатдош.* ▬ *Шерали, суҳбатдошининг айтганларини тасдиқлагандек, бош чайқади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Доноларим — кенгашимдан, Неча бек суҳбатдошимдан — Барисидан жудо бўлдим.* «Ойсулув».

СУҲБАТИЖОН [*а.* + *ф.* صحبت‌جان — суҳбатнинг жони, суҳбати ширин] Суҳбати ширин, суҳбаторо. *Суҳбатижон одам.*

СУҲБАТЛАШМОҚ Йиғилишиб, ўзаро гаплашмоқ; суҳбат қилмоқ, суҳбат қурмоқ; гурунглашмоқ. *Фозил одам билан суҳбатлашсанг, роҳат қиласан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одатда кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганингдан кейин очилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

СУҲБАТОРО [*а.* + *ф.* صحبت‌آرا — суҳбатга оро берувчи, файз киритувчи] *айн.* **суҳбатижон.** *Суҳбаторо одам.* ▬ *У [Мулла Бурҳон] сўзамол ва суҳбаторо бўлиб, тоғликларнинг қаттиқ муомалалигини бухоролик-*

ларнинг нозик гаплиги билан қўшган эди. С. Айний, Эсдаликлар.

СУҲБАТЧИ *айн.* **суҳбатдош.**

СФЕРА [*юн.* sphaira – шар] *мат.* Ҳамма нуқталари фазонинг бирор маркази (нуқтаси)дан баравар узоқликда жойлашган берк сирт; шар сирти. *Сфера марказидан ўтувчи текислик уни катта айлана бўйлаб кесади.* «ЎзМЭ».

Осмон сфераси Осмон ёритқичларининг кўринарли жойлашуви ва кўринарли ҳаракати ҳақида тасаввур берувчи, радиуси ихтиёрий бўлган шарсимон сирт; осмон гумбази. *Осмон сферасидаги ёритқичга бўлган ҳар бир йўналиш сферада нуқта билан, текислик эса доира билан тасвирланади.* «ЎзМЭ».

СФЕРИК Сферага оид; сфера шаклидаги. *Сферик сирт. Ботиқ сферик кўзгу. Сферик геометрия.* ▬ *Бир координата системасидан иккинчи координата системасига ўтиш сферик тригонометрия формулалари ёрдамида амалга оширилади.* «ЎзМЭ».

СФИНКС [*юн.* sphinx – бўғувчи ўлим руҳи] **1** Юнон мифологиясида: қанотли ярим урғочи шер, ярим аёл кўринишидаги махлуқ.

2 Қадимги Мисрда: танаси шерники, калласи одамники бўлган, ўтирган ҳолатдаги афсонавий махлуқ ҳайкали.

СФРАГИСТИКА [*юн.* sphragis – муҳр] Тарих фанининг муҳрларни ўрганадиган ёрдамчи соҳаси.

СХЕМА [*юн.* schema – қиёфа, кўриниш, шакл] **1** Бино, иншоот, машина, механизм ва ш.к. нинг умумий муҳим томонлари ва қисмлари ўртасидаги боғланиш шартли белгилар билан масштабсиз ифодаланган чизма. *Станок схемаси. Ёритиш системасининг схемаси. Радиоприёмник схемаси.*

2 Бирор нарсанинг умумий тасвири ёки тавсифи, баёни; хомаки режа. *Атом схемаси. Сейсмик ҳудудлар схемаси.*

СХЕМАТИЗМ [«схема» с. дан] Бир қолипдаги тайёр қоида ва формулаларга ёпишиб олиб, ишнинг асосий моҳиятига зид равишда умумий тарзда юзаки муҳокама юритиш, тасвирлаш, тавсифлаш.

СХЕМАТИК 1 Схема равишидаги, схемадан иборат бўлган, схемага оид (*қ.* **схема 1**). *Қурилманинг схематик тасвири. Жойнинг схематик плани.*

2 Умумий тарздаги, содда. *Схематик баён.*

СХОЛАСТ 1 *флс.* Схоластика тарафдори. *Схоластлар Платон, Аристотелнинг таълимотларини ўз мақсадаларига мослаштириб, христианлик ақидаларини асослаш йўлида талқин этишган.* «ЎзМЭ».

2 Бирор нарса-ҳодиса ёки фаннинг фақат ташқи, шаклий жиҳатларинигина идрок этувчи киши, ҳарфхўр; юзаки фикрловчи.

СХОЛА́СТИК *айн.* **схоласт.**

СХОЛАСТИ́К 1 *флс.* Схоластикага оид, схоластикага асосланган, схоластикадан иборат бўлган. *Ренессанс даврида схоластик анъаналарнинг айрим жиҳатлари янада ривожланди.* «Фалсафа».

2 *кўчма* Формал, юзаки; ҳаётдан, амалиётдан ажралган, қуруқ сафсатадан иборат бўлган. *Схоластик танқид.*

СХОЛАСТИКА [*юн.* scholastikos – мактабга оид; илмий; билимли] **1** Диний дунёқарашни назарий асослашга интилган, ўрта асрларда Ғарбий Европада тараққий этган диний фалсафа. *Схоластика антик фалсафадан, хусусан, Прокл таълимотидан кўп баҳраманд бўлган.* «Фалсафа».

2 *кўчма* Ҳаётдан ажралиб қолган юзаки билим, беҳуда, қуруқ сафсата; ақидапарастлик.

СЦЕНАРИЙ [*итал.* scenario < *лот.* scenarius – саҳнага оид, алоқадор] **1** Пьеса, опера, балет спектакллари, оммавий тадбирлар ҳамда томошаларнинг режаси, сюжет тузилиши. *Наврўз байрами сценарийси.*

2 Кино санъати ва телевидение воситалари ёрдамида гавдалантириб кўрсатиш, экранлаштириш мақсадида ёзилган адабий-драматик асар. *Ўзбекистонда сценарий жанрининг ривожланишида кинорежиссёр Наби Ғаниевнинг хизматлари алоҳида.* «ЎзМЭ».

СЦЕНАРИЙЧИ Сценарий ёзувчи адиб; сценарист. *Э. Ҳамроев, А. Шариповлар ҳам [кино соҳасида] дастлабки ўзбек сценарийчиларидан.* «ЎзМЭ».

СЦЕНАРИСТ *айн.* **сценарийчи**.

СЧЁТ [*р.* считать, счесть – «ҳисобламоқ, санамоқ» фл. дан ясалган от] *бухг.* **1** Тўлов-ҳисоб варақаси, тўловнома. *Электр пули тўлаш учун счёт. Бажарилган ишга ҳақ олиш учун счёт ёзмоқ.* ▬ *-Боя нега айтмадинг? – деди Абдуманноф счётни қўлига олиб.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

2 Нақд пул маблағларини қайд этувчи молиявий ҳисоб-китоблар ва мажбурият-

ларни акс эттирувчи ҳужжат. *Ташкилотнинг банкдаги жорий счёти. Счётга пул ўтказмоқ. Счётга ёзиб қўймоқ.*

СЧЁТЧИК [*р.* счётчик – ҳисобловчи, сановчи] *қ.* **ҳисоблагич**. *Электр счётчиги. Газ счётчиги.*

СЪЕЗД [*р.* съехаться – «турли жойлардан бир жойга келиб тўпланмоқ» фл. дан ясалган от] Айрим ташкилотлар, аҳоли гуруҳлари вакилларининг йиғилиши; катта йиғин; қурултой. *Ўқитувчилар съезди. Съезд қарорлари. Съездда қатнашмоқ.*

СЪЁМКА [*р.* снять – «кино-, фото-, телетасвир тайёрламоқ, тасвирга (суратга) олмоқ» фл. дан ясалган от] Суратга олиш (мас., киностудияда). *Съёмка қилмоқ. Съёмкада қатнашмоқ.* ▬ *Уч ойдан кейин кинокомедиянинг съёмкаси бошланди.* А. Қаҳҳор, Картина.

СЮЖЕТ [*фр.* sujet < *лот.* subjectum – предмет, мазмун, моҳият, нарса] **1** Бадиий асарда, фильмда воқеа-ҳодисалар тасвири, баёнидаги изчиллик ва ўзаро алоқа; бадиий асар мазмуни. *Романнинг сюжети. Пьесанинг сюжети.* ▬ *Бадиий асар сюжети тасвирланаётган воқелик ва асарда иштирок этадиган қаҳрамонлар масаласига бевосита боғлиқ.* «ЎзМЭ».

2 Тасвирий санъатда: тасвир объекти, предмети.

СЮИТА [*фр.* suite – қатор, изчиллик] Умумий бадиий мазмун, ғоя, дастур остида бирлаштирилган, кетма-кет келувчи бир неча (одатда контраст) мустақил қисмлардан ташкил топган мусиқа асари; мусиқий жанр. *Ўзбекистон композиторларидан.. М. Бурҳонов, М. Ашрафий, С. Юдаков, Д Соатқулов.. кабилар симфоник ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, шунингдек, фортепиано ва бошқа созлар учун турли сюиталар яратишган.* «ЎзМЭ».

СЎГАЛ Кўпинча ёш болалар ва ўсмирлар баданида, одатда қўл ёки оёқда бўладиган қаттиқ, юмалоқ ёки ясси ўсимта; терининг вирусли касаллиги. *Оддий сўгал. Ясси сўгал.* ▬ *Оддий сўгал кўпи билан нўхат катталигида, оғриқсиз, ғадир-будур тугунча бўлиб, кўпинча қўл панжасида учрайди.* «ЎзМЭ».

СЎЗ 1 *тлш.* Ўз товуш қобиғига эга бўлган, нарса-ҳодисалар, жараёнлар, шахслар, белги ва миқдорларни, хусусиятларни, ҳаракат ва ҳолатни, алоқа ва муносабатларни номлаш учун хизмат қиладиган, мустақил луғавий маънога эга бўлган, шунингдек, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг муҳим тил бирлиги; гапнинг қурилиш материали. *Туб сўз. Ясама сўз. Қўшма сўз. Сўз бирикмаси. Сўз таркиби. Сўз ясалиши.* ▬ *Сўзнинг товуш ва маъно томони бор. Лекин ҳар қандай товуш йиғиндиси сўз бўлавермайди.* «ЎзМЭ».

Кириш сўз 1) муқаддима, дебоча, кириш. *Ҳайдар аканинг одамларга малол келмайдиган.. кириш сўзлари ҳаммани хушҳол қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) *тлш.* гап бўлаклари билан синтактик боғланмаган, гапда сўзловчининг баён этилган фикрга муносабатини, гап мазмунининг юқорида ёки қуйида айтил(ади)ган фикрга боғланишини ва ш. к. ни билдириб келувчи сўз, мас., *албатта, айтгандек, дарвоқе.*

2 Бирор маъно турига, услубга оид шундай бирлик (тилда, нутқда ифода воситаси сифатида). *Дағал сўз. Беадаб сўз. Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор.* Мақол. ▬ *..не-не ошиқларни рад қилган бу гўзал жувон бир бўз боланинг икки оғизгина ширин сўзига зор бўлиб, қоронғилик қаърига умидсиз тикилиб турарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Афтидан, борлиғимиз Мастура билан банд, қуюндай чарх ураётган таассуротлар, фикрлар, туйғуларни ифода қилгани сўз тополмас эдик.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

3 Сўзлашувда, гапда, нутқда шундай воситалардан фойдаланиш қобилияти, санъати. *У сўзда йўқроқ.* ▬ *У кишининг сўзлари китобда ҳам йўқ, шундай маъноли.. ана сўзга усталигу.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Мақол; матал; ибора. *Қочирим сўзлар. Ҳикматли сўзлар Оталар сўзи – ақлнинг кўзи.* Мақол. ▬ *Кумушнинг гўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзумандлар «ётиб қолгунча, отиб қол!» сўзига амал қилиб, қутидорникига совчиларни турнақатор юбора бошлаган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Гап, гап-сўз, нутқ. *Самимий сўзлар. Нотиқнинг сўзлари. Сўз сўрамоқ. Маърузачига сўз бермоқ. Сўз айтмоқ. Сўз бошламоқ. Сўзга чиқмоқ. Сўзга тушмоқ. Сўзини бўлмоқ. Сўзни қисқа қилмоқ. Сўзини оғзидан олмоқ.*

▬ *Директор билан олдиндан келишиб олинган бўлса керак, биринчи бўлиб Бақалоқ сўзга чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Сўз бошлади чол титраб, Ҳалқумига келиб жон.* А. Орипов, Йиллар армони. *Азизхон бир сўз демай, машинанинг орқа ўриндиғига чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Сўз бермаслик 1) гапиришга имкон бермаслик. *Хотини Карим акага сўз бермайди. Бир гап айтса, бетингда кўзинг борми демай, қайириб ташлайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат; 2) бўйсунмаслик. *Қишлоқи ёшлигим сарпойчан чопар Сўз бермай декабрь қуюнларига.* А. Шер. **Сўз очмоқ** Гапиришни бошламоқ. *Муҳаббат қиссасидан сўз очиб, қилсам ғазалхонлик, Ўқишгай ишқ эли назмимни кўп заррин китоб ичра.* Ҳабибий, Девон. **Сўз эркинлиги** *ҳуқ.* Инсоннинг асосий шахсий ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири; ўз фикрини оғзаки ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзма баён этиш имконияти. *Биз сўз эркинлигини сўрар эдик.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Демократик мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти сўз эркинлигига асосланган.* «ЎзМЭ». **Сўз қотмоқ** Бирор гап, сўз айтмоқ, гапирмоқ. *Зайнаб тамом, тамом лол эди, Сўз қотишга у беҳол эди.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

6 Миш-миш гап, овоза; иғво. *Эл бор ерда сўз бор.* Мақол. ▬ *Ўликми-тирикми — билармиз. Мен ҳам қараб турмайман. Аммо сўз тарқалмасин, айт, хотининг тилини қиссин.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Ўгит, панд-насиҳат, таълим-тарбия, илтимос ёки буйруқ мазмунидаги гап. *Онанинг сўзини қулоққа олмоқ. Катталарнинг сўзига кирмоқ. Сўзини икки қилмаслик. Ёмоннинг бўзини олгунча, Яхшининг сўзини ол.* Мақол. *Дўст сўзини ташлама, Ташлаб бошинг қашлама.* Мақол.

Сўзини ерда қолдирмоқ Буйруқ ёки илтимосини бажармаслик. *Кумушнинг қарши тушмаги тўғрисида, албатта, уларнинг шубҳалари йўқ эди. Шунинг билан бирга, отаонанинг сўзини ерда қолдиради, деб ҳам ўйламас эдилар,* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Сўз(и)га кирмоқ** Айтганини қилмоқ, маслаҳат бўйича ҳаракат қилмоқ. *Акасининг сўзига кириб, тўй қилдинг, шарманда бўлдинг.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бой афанди: «Мана холос, агар ман сизнинг сўзингизга кирсам, тоза шарманда бўлар эканмиз», — деб.. мени хижолат қилдилар.* Ҳамза, Танланган асарлар.

8 Ваъда, лафз; азм-қарор. *Сўзида турмоқ. Йигит сўзи бир бўлур.* Мақол. *Турсанг сўзингда — ҳурмат юзингда.* Мақол. ▬ [*Авазхон:*] *Эй ота, падари бузруквор, сўздан қайтиш номарднинг иши.* «Маликаи айёр». *Мансур энди Гавҳар сўзидан қайтмаслигини тушуниб тўхтади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бировга айтмасликка сўз бераман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

Орадан сўз ўтмоқ (*ёки* **чиқмоқ**) Келишмовчилик рўй бермоқ, низо чиқмоқ. *Мир ҳазратлари билан орангиздан бирон сўз ўтган, деб гумон қилурман.* Ойбек, Навоий. **Сўз ўйини** Бир сўзнинг турли маъноларидан ёки турли маънодаги шаклдош сўзлардан фойдаланиб тузилган, турлича тушунилиши мумкин бўлган ибора. *Уй эгаси дастурхон ёзар экан: -Умридан шунча бўлгандан кейин, худо хоҳласа, умри узоқ бўлади, — деб сўз ўйини қилди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

СЎЗАК I [*ф.* سوزاک — триппер; ҳуснбузар, бўжама; йиринг] **1** *тиб.* Асосан тасодифий жинсий алоқа қилиш оқибатида келиб чиқадиган, сийдик йўллари ва жинсий аъзолар яллиғланишидан иборат юқумли таносил касаллиги; триппер. *Сўзак юқумли бўлгани учун, касаллик белгилари пайдо бўлиши биланоқ, венеролог врачга мурожаат этиш керак.* «ЎзМЭ».

СЎЗАК II [*ф.* سوزک — санчиқ] Қаттиқ совқотиш натижасида панжа учларида сезиладиган санчиқли оғриқ.

СЎЗАМОЛ Сўзга уста, гапга чечан; гапдон. *Сўзамол одам.* ▬ *Ҳамиша камгап Отамурод худди шунақа, бировга ёрдам керак бўлиб қолган пайтда сўзамол, очиқдан-очиқ меҳрибон бўлиб қолади.* М. Мансуров, Ёмби. *Бошлиқ сўзамолгина, лекин қўлидан келса, яхшилигини аямайдиган одам экан.* «Ёшлик».

СЎЗАМОЛЛИК Сўзга уста, гапга чечан бўлишлик. *Сўзамоллик қилмоқ.* ▬ *Зиёднинг фавқулодда сўзамоллиги ўз йўлига, лекин ҳозир ҳар қўл силкиганда, кафтига бегона нарсадай ишқаланаётган ортиғи ғалати туюлар эди.* М. Мансуров, Ёмби. *[Башир] Ўзининг сўзамоллигини йиғилганларга, айниқса, Қирмизхонга кўрсатиб қўйгиси келарди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Минг хил нағмаси бор сўзамолликнинг, Оқиллар авомга боқар жавдираб.* «Ёшлик».

СЎЗАН I [*ф.* سوزن – игна, нина; тикан] Этикдўз косиблар иш тикадиган махсус игна. *Сўзан билан чок тикмоқ.* ▬ *Уй-рўзғорда ишлатиладиган қуроллар номи: пичоқ, ангишвона, жуволдиз, игна, чопқи, қайчи, сўзан ва бошқалар.* «ЎТА». *Чол унга сўзан, бигиз тутишни кўрсатади.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЎЗАН II [*ф.* سوزن] Дуккаклилар оиласига мансуб, қумлоқ ерларда ўсадиган бута ўсимлик; акациянинг бир тури.

СЎЗАНА [*ф.* سوزنی – шойи ип билан кашта тикилган кичикроқ рўмол; палак] Сидирға газламага гул тикиб тайёрланган, деворга осиладиган безак буюми; гулкўрпа. *Шоҳи сўзана. Сўзана тикмоқ.* ▬ *Унинг қаршисида, сўзана тутилган девор тагида, муштдай бўлиб ўтирган мухбир йигит – Ислом пиқиллаб кулиб юборди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Сурмахон ая кўкка қаради: юлдуз тўла қорамтир осмон йирик-йирик гавҳар доналари қадалган бахмал сўзанага ўхшайди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

СЎЗАНАК I [*ф.* سوزنک – нинача; ниначи] *шв.* Ниначи.

СЎЗАНАК II [*ф.* سوزنک] *шв.* Отнинг пешноби.

СЎЗБОЗЛИК Қуруқ гап, сафсата сотиш, сафсатабозлик. *-Бўлдими? Сиз билан сўзбозликка вақтим йўқ, – деб ғазабланиб қичқирди Йўлчи, – шуни билингки, халқ ўз ишини билиб қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЎЗБОШИ Кириш, дебоча, муқаддима.

СЎЗЛАМОҚ 1 Оғзаки равишда фикр баён этмоқ; гапирмоқ. *Оз сўзла, кўп тингла.* Мақол. *Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам, соз сўзлар.* Мақол. *Бошингга қилич келса ҳам, тўғри сўзла.* Мақол. ▬ *Сўзласанг, ҳар кимнинг ўз ақлиға чоғлаб сўзлагин, Кутмагай от хизматин ҳеч кимса ёш бир тойдан.* Ҳабибий, Девон. *Йигит улар олдида пилдираб бораркан, тинмай Азизхон қилаётган ишлардан сўзлаб борарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Нутқ, маъруза қилмоқ, гапирмоқ. *Гўё икки навқирон йигит шу бугун борибоқ Ўртақўрғонни забт этадигандай, баланд руҳ билан нутқ сўзлади.* М. М. Дўст, Лолазор. *Биринчи котиб йиғилганлар олдига чиқиб, озгина сўзлагандан кейин, ўтирган халққа қарата огоҳлантиришсиз ўқ узишди.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Ифодаламоқ, намоён этмоқ. *Баҳор табиат гўзаллигидан сўзлайди.* Газетадан. *Титроқ симлар Тамара опамизнинг бедор тунлари, ҳаловатсиз кунлари, роҳатбахш лаҳзалари ҳақида сўзларди бизга.* «Саодат».

СЎЗЛАНМОҚ 1 Сўзламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Зиёфат асносида иттифоқнинг фойдалари, тарқоқликнинг зарарлари сўзланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзича гапирмоқ, ўз-ўзи билан гапиришмоқ. *Сўнг ўзича сўзланиб, тўрга йўналди.* «Шарқ юлдузи». *У туйқус асабланиб, сўзланди.* «Шарқ юлдузи».

СЎЗЛАШМОҚ 1 Сўзламоқ фл. бирг. н.

2 Гапиришмоқ, гаплашмоқ. *Нотиқлар ўн минутдан сўзлашди.* ▬ *Нима ва қайси тўғриларда сўзлашдилар, Отабек қипчоқларга қарши сўзламадими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор нарса, масала ҳақида ўзаро музокара олиб бормоқ; гапиришмоқ, келишмоқ, битишмоқ. *Таътил тўғрисида директор билан сўзлашиб қўйдим.* ▬ *Эртага шаҳарга тушинг, акам билан сўзлашиб, ишни битирасиз, дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар.

СЎЗЛАШУВ Сўзлашмоқ фл. ҳар. н. *[Гулнор] ..Нурининг никоҳ кунигина Йўлчига яқинлашиб, у билан сўзлаша олган эди. Ундан бери учрашувга, икки оғиз сўзлашувга ботинолмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Сўзлашув тили Кундалик турмушдаги алоқа-аралашув учун хизмат қилувчи тил; оғзаки нутқ турларидан бири.

СЎЗЛИ 1 Бирор миқдордаги сўздан таркиб топган, қанчадир сўзни ўз ичига олган. *Уч сўзли матн. Олтмиш минг сўзли луғат.*

2 Бирор аниқловчи билан биргаликда келиб, шахснинг характери ёки муомаласи қандайлигини билдиради. *Ширин сўзли – шоҳ косадан сув ичар.* Мақол. *Тўғри сўзлининг тўни йиртиқ.* Мақол. ▬ *Қарилари ширин сўзли, Жувонлари турфа нозли, Қизлари бор жоду кўзли.* «Нурали».

Бир сўзли 1) бир сўзда, ўз айтганида туриб оладиган; ўжар, қайсар. *Бир сўзли бола.* ▬ *[Мулла Мадраҳим] Мижғов гапни ёқтирмайдиган, бир сўзли бу заҳар полковникка муддаосини очиқ айтишга мажбур бўлди.*

Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2) сўзидан, лафзидан қайтмайдиган; айтганини қиладиган; ваъдали. *Бир сўзлининг юзи ёруғ.* Мақол. ▬ *Пўлатов қаршисида бир сўзли, зукко ва қатъиятли аёл турганлигини билди.* «Ёшлик». **Ўз сўзли** Ўз сўзини ўтказадиган, айтганини қилдирадиган, гапининг икки қилинишини ёқтирмайдиган. *Ўз сўзли йигит — кун юзли йигит.* Мақол. ▬ *Шу ўтган давр уни кўп нарсага ўргатди: бўшашган қишлоқ қизини ўз сўзли, чўрткесар қилиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ.

СЎЗЛИК 1 Бирор луғатга, маълумотномага киритилган ёки киритиладиган сўзлар рўйхати. *Изоҳли луғат сўзлиги. Сўзлик тузмоқ.* ▬ *Муайян фан соҳаси ичида аввал мавзулар бўйича сўзлик тузилади.* «ЎзМЭ».

2 *эск. айн.* **луғат.** *Ботаника сўзлиги.*

СЎЗЛИЛИК Муайян даражадаги ўжарлик, қайсарлик; сўзида, ваъдасида туришлик. *Ўзбек ойим эрига ялина бошлади: -Бир сўзлилигингизни қўйинг, эр.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЎЗМА-СЎЗ *рвш.* **1** Битта ҳам сўзни тушириб қолдирмай, оқизмай-томизмай; айнан. *Эшитган гапларини сўзма-сўз айтиб бермоқ.*

2 Гапнинг бутун маъносига қараб эмас, балки ундаги сўзларнинг луғавий маъноларига қараб; луғавий. *Сўзма-сўз таржима қилмоқ. Сўзма-сўз таржима.*

СЎЗОНА [*ф.* سوزانه / سوزان — ёнган, куйган; ёнаётган; куйдирувчи, емирувчи] Куйган, аламли. *Сўзона бўлмоқ.* ▬ *Соғинчдан юраги сўзона она.. сочлари қировга айланган она тўртинчи марта, умид билан, ўғлининг лақабини ҳам қўшиб чақирибди.* «Ёшлик». *Ишқдан қалби куйган сўзона бир шам, Ишққа исён этиб, ёд этар қасам.* «Ёшлик». *Ҳеч ким менингдек куймаган ҳажринг ўтига, эй санам, Танҳо туташдим ман ўзим, сўзона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

СЎЗСИЗ 1 *сфт.* Сўзи, сўзлари бўлмаган, *Сўзсиз сурат.*

2 *рвш.* Овоз чиқармай, гапирмай; сукут ичра, жим. *Ногаҳон фалакка урган каби дўқ, Сўзсиз қотиб турар бўйчан тераклар.* А. Орипов, Йиллар армони.

3 *рвш.* Ҳеч қандай эътирозсиз. *Сўзсиз итоат этмоқ. Сўзсиз таслим бўлмоқ.* ▬ *Хоҳиш-иродамизни сўзсиз бажарасан.* «Шарқ юлдузи».

4 *мод. с.* Фикрнинг аниқлигини, қатъий буйруқ ва заруратни билдиради. *Сўзсиз, у келади. Мактабдаги мусобақаларга қатнашади ва, сўзсиз, биринчи ўринни эгаллайди.*

СЎЗСИЗЛИК 1 Жимлик, жимжитлик, сукунат. *Орага сўзсизлик чўкди.* ▬ *Орадаги сўзсизлик бир пиёладан чой ичгунча бузилмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Лафзи, субути йўқлик, ваъдасизлик, бебурдлик.

СЎЗЧАН *кам қўлл. айн.* **сўзамол.** *Сўзчан одам.*

СЎЗЧИ 1 Гап ташувчи, йўқ гапларни тарқатиб юрувчи, ғийбатчи. *Сўзчи одам.*

2 *айн.* **сўзамол**. *Ботир ёвда билинар, сўзчи довда билинар.* Мақол. ▬ *Созчимисан, сўзчимисан, Бозингар — савдогармисан.* «Юсуф ва Аҳмад».

СЎЙИЛ Узун йўғон калтак, таёқ. *Кетмон, чўкки [чўкич], ўроқ, сўйил кўтарган жабрдийда косиблар, деҳқонлар, чорикорлар, қўшчилар тўдалашиб, Хива сари отланди.* С. Сиёев, Аваз.

СЎЙИНМОҚ *с. т.* Севинмоқ.

СЎЙИНЧИ *с. т.* Суюнчи.

СЎЙЛАМОҚ 1 Сўзламоқ. *Аввал ўйла, кейин сўйла.* Мақол. ▬ *Шунчалар билимдон сиёқингиз бор, Минг ўйлаб, бир сўйлар ўқитувчи ҳам.* Ғ. Ғулом, Танланган асарлар. *Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Шивирлаб сўйлайлик Ватан ҳақида Узоқ қиш туни Оқ тонгни уйғотган эртакка ўхшаб.* А. Шер, Қадимги куй.

2 *айн.* **сўзламоқ 3**. *..Ва кўмилиб куз боғларига, Афсоналар сўйлар Самарқанд Қадим ўзбек қишлоқларига.* Х. Даврон, Қақнус. *Жайрон ҳасратида йўл кечар овчи, Ошиқнинг дардини сўйлар ғазал, тор.* Миртемир, Асарлар.

СЎЙЛОҚ 1 Ташқарига туртиб чиққан, узун (тиш ҳақида). *Хотин шишган қовоқлари остидаги кўкимтир кўзларини қисиб, сўйлоқ тишларини кўрсатганча, сўрашган киши бўлади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 Шундай тишли одам. *Сўйлоқ киши чиқиб келиб, юкни қабул қилиб олгач, чой-пойга шама қилиб ўтирмай, дарҳол эшикни ёпди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

СЎЙМОҚ I **1** Бўғзига тиғ тортиб ўлдирмоқ, бўғизламоқ. *Қўй сўймоқ. Товуқ сўймоқ. Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин.* Мақол. ▬

[Латифжон:] Хўп бўлади, додхоҳ.. Бўрдоқини сўйишга қассобни чақирайми? Ҳамза, Танланган асарлар. *[Ҳожи:] Қудаларингни нима билан кутишни бўлса, ўзинг биласан: туя сўйиб чарлаганингда ҳам, келмайдирган кишилар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кесмоқ, бўлакламоқ, кесиб-кесиб қўймоқ. (асосан, қовун, тарвуз, анор ва ш. к. ҳақида). *Қовун сўймоқ.* ▬ *Камолиддин махдум нонни ушатиб, патнусдаги анорни олдию, авайлаб сўя бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Рўзи полвон.. ҳандалакни эпчиллик билан сўйиб, меҳмонларнинг олдига қўйди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Пичоқсиз (*ёки* **тиғсиз) сўймоқ** Қаттиқ алам етказмоқ, азоб бермоқ. *Инсофсизлар, мени тиғсиз сўйдиларинг.* «Шарқ юлдузи». **Ўтмас пичоқ билан сўймоқ** *қ.* **пичоқ.**

СЎЙМОҚ II *с. т.* Севмоқ, суймоқ, яхши кўрмоқ. *Тенг еганни тангри сўйибди.* Мақол. ▬ *Икковинг ҳам созандасан, Ота сўйган дўзандасан.* «Юсуф ва Аҳмад».

СЎК Тозаланган, оқланган тариқ. *Хом сўк. Қовурилган сўк. Сўк оши. Овқатга сўк солмоқ. Сўк толқон.* ▬ *Дастурхонда яна ўша қурт, сузма, сўк пайдо бўлди, салдан кейин эшикдан бир гуруҳ қизлар кўринди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Палоссиз, зах цементда ётасан, Ҳар куни ейдиган бир чўмич ёвғон сўк оши ёки сули бўтқадан ҳам маҳрум бўлиб, икки юз грамм нон ва сувга куninг қолади.* «Ёшлик».

Оғзига сўк солмоқ *айн.* **оғзига толқон солмоқ** *қ.* **толқон.** *Ниҳоят, Файзулла чидаб туролмади: -Ҳа, оғзингларга сўк солволдилрингми бугун?* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Мана бугун ҳам Ҳабиба билан Қудрат, ораларидан оламушук ўтгандай, оғзиларига сўк солиб кириб келишди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. **Сўк ошига сурнай** *қ.* **сурнай.**

СЎКАҒОН Кўп сўкинадиган, бўлар-бўлмасга сўкадиган, сўкинаверадиган; сўконғич. *Сўкағон одам.*

СЎКИК Чоклари сўкилган; чокидан кетган. *Сўкик тўн. Елкаси сўкик кўйлак.*

СЎКИЛМОҚ I **Сўкмоқ** I фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Кўрпа сўкилиб, қайта қавилди.* ▬ *-Саид! — У отасининг чақирувидан сўнг кўприк устида тўхтади. Кўйлагининг сўкилган жойидан чиқиб турган ипни ўраб тураверди.* «Ёшлик».

Дили (*ёки* **юраги) сўкилмоқ** Дили аламга тўлмоқ, вайрон бўлмоқ. *Халқни деб юраги тўкилиб турган, халқ шўрида юраги сўкилиб турган шу нуроний кексалар қараб тура олармикан?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Чокидан (***ёки* **чок-чокидан) сўкилмоқ** 1) тарқалиб, тўс-тўс бўлиб кетмоқ. *-Дод! — Хонанинг шифтигача лорсиллаб кетди. Ўз бақириғидан бағри чок-чокидан сўкилди.* «Ёшлик»; 2) барбод бўлмоқ, бутунлай издан чиқмоқ. *Битта бўрон кўтарилувдики, бутун ишингиз чок-чокидан сўкилиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

СЎКИЛМОҚ II **Сўкмоқ** II фл. мажҳ. н.

СЎКИНИШ 1 Сўкинмоқ фл. ҳар. н. *Бекорга сўкиниш.*

2 Сўкиш, ҳақорат сўзлари. *Сўкинишлар ўрнини — бахтиёр кулги, ғийбат, фисқу фасод, миш-мишлар ўрнини ширин суҳбатлар олади. Ана унда инсон ер юзида меҳмон эмас, мезбон бўлиб яшаяжак!* Газетадан. *Туябонлар, филбонларнинг жаҳл билан қичқириб сўкинишлари қулоқни қоматга келтиради.* «Ёшлик».

СЎКИНМОҚ Ўзича, ҳеч кимга қаратмасдан сўкмоқ; койинмоқ. *Яхшибоев бўралаб сўкинди, лекин кўзини очди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Шоҳмурод Кўҳистоний кун бўйи диққат бўлиб, сўкиниб юрди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Фақат.. узоқдан Қодир девкорнинг қораси кўринди дегунча, пўнғиллаб сўкинганча, кўздан пинҳон бўлишади, жуфтакни ростлаб қолишади.* «Ёшлик».

СЎКИЧАК *с. т.* Сўкчак.

СЎКИШ II **1 Сўкмоқ** II фл. ҳар.н. *-Сўкмас эдим, болам, — деди Яхшибоев. — Асли сени болаликда кўпроқ сўкиш керак эди, энди жуда кеч.. хўш, нега уялдинг?* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Сўкиниш, ҳақорат сўзлари. *Сўкиш эшитмоқ.* ▬ *[Ҳотам Шўро:] Сенда савод бор, менда икки-уч оғиз чийратма сўкишдан ўзга савод йўқ, болам.* М. М. Дўст, Лолазор. *Гар шеърни севмасанг, сўкишларим бор, Омон айламакни кутмагил мендан.* А. Орипов, Йиллар армони.

СЎКМОҚ I Тикилган нарсанинг ипини узиб, суғуриб, бўлакларга ажратмоқ. *Кўрпани сўкиб, ағдариб тикмоқ.* ▬ *[Отабек] Тикилган ипларни сўкди ва мактубни очиб, оч кўзини ишга қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЎКМОҚ II **1** Ёмон сўзлар билан уришмоқ, ҳақорат қилмоқ. *-Ҳа, ноинсоф, ҳа кўппак! — Қоратой бойни сўка бошлади. — Ифлос қарға!* Ойбек, Танланган асарлар. *Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўкасиз, бу деб сўкасиз, бас-да шунча хўрлаганингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Умуман, уришмоқ, коймоқ. *Турғунбой бутун айбни қўлида боласини кўтариб турган хотинга тўнкаб, уни сўкди ва қизариб-бўзариб, меҳмонлар билан сўраша бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СЎКОНҒИЧ *айн.* **сўкағон**. *Сўконғич бола.*

СЎКЧАК Қурт боқиш учун қурилган, одатда бир неча қаватли махсус стеллаж. *Ҳозир клубга келаётиб, баҳор пайтлари клуб ичида сўкчаклар тахланиб, қурт боқилиши эсимга тушди.* О. Мухтор, Бухоролик бир йигит. *Гулзира, одатича, қўлини орқасига қилиб, сўкчаклар орасидан бир айланиб ўтди.* «Шарқ юлдузи».

СЎЛ *айн.* **чап 1**. *Сўл қўл. Ўнг кўзингга сўл кўзинг соқчи бўлсин.* Мақол. ▬ *Электр симга қўниб, бошини гоҳ ўнг, гоҳ сўлга буриб, атрофни кузатаётган дала қалдирғочига кўзи тушди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Қайиқнинг ўнгида ва сўлида тинч, қора иморатлар, кемалар пайдо бўладилар.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

СЎЛАК Сўлак безларидан ишлаб чиқариладиган ёпишқоқ суюқлик; оғиз суви. *Тамаки сўлак безларига таъсир этиб, унинг ишлаб чиқарилишини ва таркибини ўзгартиради.* «Саодат». *Сўлак оғиз бўшлиғига тушган бактерияларни нобуд қилиш хусусиятига ҳам эга.* «ЎзМЭ».

СЎЛАКАЙ *с. т.* Сўлак. *Холида хонага кирганда, Зумрад кампир, сўлакайини оқизганча, конвертни елимлаётганди.* «Ёшлик». *-Ажойиб нарса экан, — деди бояги йигит сўлакайини оқизиб.* М. Осим, Карвон йўлларида.

СЎЛАКЧА *с.т.* Гўдакларнинг, чақалоқларнинг кўкрагига тутиладиган фартукча.

СЎЛАҚМОН 1 Йўғон таёқ; сўйил.

2 *кўчма салб.* Гунгурсдай, хирсдай, барваста одам ҳақида. *Бу она сути оғзидан кетмаган сўлақмонлар нимани кўрибди?!* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Шу юрган бекорчи сўлақмонлар орасида юрса юрипти-да, унга ошу нон берармидик.* С. Абдулла, Соялар.

СЎЛЖАЙМОҚ 1 Эс-ҳушини йўқотиб анграйиб қолмоқ; серраймоқ. *Мамат қассоб: -Амманг ўлгандай сўлжайиб ўтиришинг нимаси, тур ўрнингдан! — деди Шодиёрга.* «Ёшлик».

2 Қовоғини, лаб-лунжини осилтирмоқ; ўшшаймоқ. *Гўзал йигит сўлжайганича қайтиб чиқди ва портфелини олиб жўнади.* А. Қаҳҳор, Қайғулар.

3 Бужмаймоқ, бурушиб-тиришмоқ. *Чолнинг кўзига у [Вали полвон] ранги ўчиб, қони қочган, семиз лунжлари сўлжайиб, қалин лаблари баттар дўрдайган.. кўринди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

СЎЛИ *шв.* Бисотдаги мол-мулк, дунё. *Подшонинг уруши адо бўлмади, Деҳқон халқнинг сўли сира қолмади.* «Фольклор».

СЎЛИМ 1 Ёқимли ва гўзал, лўппи, дўндиқ. *Сўлим қиз.* ▬ *Қиз атлас лозим, атлас кўйлакда сўлим ҳам содда кўриняпти.* «Ёшлик». *Далага чиқ, соф ҳавода етилиб юрган сўлимлардан бирини танла!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Беғубор, соф, гўзал ва ёқимли. *Сўлим кеча. Сўлим баҳор.* ▬ *Навоий кўчаси тун қўйнида ғоятда сўлим эди: беҳисоб чироқлар юлдуздек милтираб ёниб ётибди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қишлоғимиз адир бағрида жойлашган, табиати сўлим, ҳавоси оромбахш.* «Шарқ юлдузи».

СЎЛИМОҚ *с. т.* Сўлмоқ. *Ўсмани узиб қўйдим, Сўлиса қўяман деб.* «Ёшлик». *Лаълихон кампирнинг сўлиган олмадек бурушган юзидан ўпди-да, югурганча ювиниш учун уйга кириб кетди.* «Саодат».

СЎЛИШ 1 Сўлимоқ фл. ҳар. н. *Япроқларнинг сўлиши. Гулдек сўлиш.*

2 Нафас, тин, сулиш. *Сўлиш олмоқ.* ▬ *-Гап-да, укажон, — деди Яхшибоев сўлиш олиб. — Отингиз нимади?* М. М. Дўст, Лолазор. *Чавандоз инқиллаб-синқиллаб ўтиратркан, оғир сўлиш олди.* «Ёшлик».

СЎЛИҚ I *кам қўлл.* Сўлиган, сўлғин. *Сўлиқ гул. Сўлиқ юз.* ▬ *Соппа-соғ одамдай ёзармишсиз хат, Лекин, биламанки, афтингиз сўлиқ.* Миртемир, Асарлар.

СЎЛИҚ II *с. т.* Сувлуқ. *Сўлиқ чайнаб турган жийрон зулукдай улоқчи бўлиб кўринди [Заргаровнинг] кўзига.* А. Мухтор, Асарлар. *От, бурун катаклари керилиб, сўлиқни безовта чайнаб, ҳид олди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СЎЛИҚМОҚ *айн.* **сўлмоқ 2**. *Сўлиққан юзлар.*

СЎЛКАВОЙ [*р.* целковый – бир сўмлик танга] *с. т. эск.* **1** Бир сўмлик танга. *Етти ярим сўлкавойни жойи ростонда оласан, деб жўнаб кетдим.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бойваччалар ҳамёнидан жарақ-жарақ сўлкавойлар тўкилиб, Франциядан келтирилган винолар Нилдай оқди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

2 Умуман, бир сўмлик пул, бир сўм. *Ҳай, майли, юз сўлкавой берасиз, олиб бориб қўямиз, акажон!* О. Ёқубов, Тилла узук.

СЎЛМОҚ 1 Ўсиб турган ёки янги узилган вақтидаги ҳолатини йўқотмоқ; шалпаймоқ (ўсимлик ҳақида). *Умид сўлиб, қовжираб қолган ғўзалар тепасида айланарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қизил гуллар айтар: Ҳеч сўлмагайман, Ёмоннинг қўлида хор бўлмагайман.* «Қўшиқлар».

2 *кўчма* Ғам-ташвишдан ёки дард-алам чекиб, ўзини олдирмоқ, ранги кетиб, қути ўчиб, синиқиб, сўлғин тус олмоқ; синиқмоқ. *Эл билан бўлсанг – бўласан, Элдан чиқсанг – сўласан.* Мақол. ▬ *Қоп-қора кўзинг Ёшларга тўлмиш, Ой каби юзинг Япроқдай сўлмиш.* Миртемир, Асарлар. *Симобдек беқарор, куч-ғайрати танига сиғмаган ўт-олов йигит энди сўлган, тақдирнинг бемаҳал зарбасидан эсанкираб қолганди.* С. Аҳмад, Уфқ.

СЎЛОҚ Арава гупчаги тешигига икки томонидан ўрнатилган темир ҳалқа (гупчакнинг ейилиб кетмаслиги ва ўқнинг равон айланиши учун хизмат қилади). *Сўлоқ ўрнатмоқ. Сўлоқни мойламоқ.*

Сўлоғи ўйнаган (*ёки* **чиққан**) 1) сўлоғи маҳкам ўрнашмаган, қимирлаб, лиқиллаб турадиган. *Сўлоғи ўйнаган арава;* 2) *кўчма* дабдаласи чиққан, шалоқ. *[Турғун Мирбадалга:] Оббо! Сўлоғи чиққан машинангизни мунча мақтадингиз!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *«Победа» тўхтади. -Юрмаяптими? – сўради Рабиев. -Эски. Сўлоғи ўйнаган, – изоҳ берди Сайфи.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка; 3) *кўчма* абжағи чиққан, яксон, тормор бўлган. **Сўлоғини ўйнатмоқ** (*ёки* **чиқармоқ**) 1) дабдала, шалоқ қилмоқ. *Ўйинчоқнинг сўлоғини ўйнатибди*; 2) *кўчма* абжағини чиқармоқ; яксон, тор-мор қилмоқ.

СЎЛҚИЛДОҚ 1 Лўмбиллаган, семиз, дўмбоқ, лўппи, сўлқиллаган. *Сўлқилдоқ бола.* ▬ *Хумор келиннинг катта қора кўзлари ҳам, тер, сут ҳиди анқиётган сўлқилдоқ тани ҳам, илиқ нафаси ҳам Бўрихонга ёқади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Эндигина етилган, сурх. *Сўлқилдоқ новда.* ▬ *[Мирғиёс:] Кўк қурт! Ёмон офат. Ғўзанинг заволи. Тезда тухумини қуритиш керак. Ғўзанинг айни сўлқилдоқ пайти, кемиради очофат!* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

Сўлқилдоқ ер Етилиб, бўртиб, кўпчиб турган ер. **Сўлқилдоқ нон** Кўпчиб, сингиб пишган янги нон. *Нон, гарчанд арпа қўшилган бўлса ҳам, шундай иссиқ, сўлқилдоқ, ўзиям шундай қизариб пишганки, кўргандаёқ ташланади киши.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

СЎЛҚИЛЛАМОҚ Аста тебранмоқ, селкилламоқ. *Кўклам бўлса, томошадир чўллари, От чопганда, сўлқиллайди беллари.* «Гулихиромон». *Лутфиниса оппоқ, юрса сўлқиллайдиган, икки қошининг учи бир-бирига туташ, бўйи сал пастроқ, тўлагина қиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

Сўлқиллаган *ёки* **сўлқиллаб пишган** (*ёки* **турган) нон** *айн.* **сўлқилдоқ нон** *қ.* **сўлқилдоқ.** *Ҳайрон бўлманг, Дилшодбек, рост гап. Ахир седана сепилган, сўлқиллаб турган бундақанги нонни ҳеч қаердан тополмайсиз!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сўлқиллаган ер** *айн.* **сўлқилдоқ ер** *қ.* **сўлқилдоқ**.

СЎЛҒИН 1 Сўлиган, сўлиқ. *Сўлғин ғўза.* ▬ *Экинлар томирига қон югурди. Сўлғин япроқлар аста жонлана бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Сахий жануб қуёши шитоб билан тик кўтарилди. Ўт-алаф ҳам, гулчечак ҳам.. иссиққа дош беролмай, сўлғин бош эгди.* С. Абдуқаҳҳор, Жанубий нуқтада.

2 *кўчма* Ўзини олдирган, синиққан, ранги кетган, қути ўчган, сўлиққан. *Сўлғин чеҳра.* ▬ *Онанинг ранги сўлғин, кўпдан дард чекиб, хийла азоб тортган аёлнинг юзларига ўхшарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Панжининг кўзлари қизарган, юзи сўлғин эди.* «Ёшлик».

3 Файзини йўқотган, файз-футурдан кетган. *Сал сўлғин, қалин тутзорларга куз ҳали қўл урмаган бўлса ҳам, энди ёз эмас эди.* «Ёшлик». *Қуёш гоҳ булутлар орасига яширинар, гоҳ бирдан сўлғин далаларни, яланғоч теракларни майин товлантирар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

Руҳи сўлғин Руҳи тушган, сўниқ. *Чолнинг руҳи сўлғин, кўзлари ич-ичига кириб кетган*

эди. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

СЎЛҒИНЛАШМОҚ Сўлғин кўринишда бўлмоқ; синиқмоқ. *Нечундир Асалнинг ранг-рўйи кўп ўтмай сўлғинлашди, овози, кулгиси дағаллашди.* «Ёшлик». *Саиднинг руҳи сўниб, ранг-рўйи тобора сўлғинлашиб борарди.* «Шарқ юлдузи».

СЎЛҒИНЛИК Сўлиқлик, синиққанлик, ҳорғинлик; руҳи тушганлик, хафалик. *Султонхоннинг ранги ўча бошлаган эди, икки бетидаги шапалоқдай қизилига сўлғинлик югурди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Нигора бошини столдан шиддат билан кўтарди. Кўзларида маъюс сўлғинлик, лабларида кинояли табассум.* С. Анорбоев, Оқсой.

СЎМ 1 *тар.* Собиқ Иттифоқда: совет рублининг ўзбекча номи; рубль. *Бир сўм. Уч сўм.* ▬ *Проводник бир даста кулранг чойшаб, боғичи узилган ёстиқ жилдлар олиб келди, жувон билан Нусратбек бир сўмдан тўлаб олишди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Мен ғишт кукуни қўшилган гуручни девзира деб, килосини тўрт сўмдан сотаман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Ўзбекистон Республикасининг асосий пул бирлиги (1994 йил 1 июлдан). *Икки юз сўм. Минг сўм.* ▬ *Сўмнинг муомалага киритилиши Ўзбекистон пул муомаласи ва ҳисоб-китоблар тизимини ташкил этиш ҳамда республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.* «ЎзМЭ».

СЎМ II Катта чипқон, хўппоз.

СЎМ III: **сўм гўшт** Суяксиз ва ёғсиз юмшоқ эт, лаҳм гўшт.

СЎМЛАБ *рвш.* **1** Сўмлар билан; ҳар бир сўмини алоҳида. *Пулларни сўмлаб санаб чиқмоқ. Сўмлаб пул йиғмоқ.*

2 Унча-мунча пулнинг бетига қарамай, кўплаб, катта-катта (харажат қилмоқ). *Миллион сўмлаб пул топмоқ.* ▬ *Бундай оилаларда тирикчилик эҳтиёжларига сўмлаб эмас, тийинлаб сарф қилинади.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

СЎМЛИК Қиймати сўм турадиган, сўмга тенг. *Ўн минг сўмлик харажат.* ▬ *Оқсоқолнинг жазаваси тутиб, плёнка дастурхонга тугилган бир нимани олиб, чўнқайиб ўтириб ечди-да, ичидан юз сўмликларни олиб, бошидан ошириб сочаверди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳар бир этик учун бир сўмлик материал сарф қиладилар.* С. Айний, Қуллар.

СЎНА I: **сўна пашша** Икки қанотлиларга мансуб, калта мўйловли ҳашарот: урғочиси ҳайвонлар, баъзан одам қонини сўрадиган, эркаги гуллар шираси ва б. суюқликлар билан озиқланадиган йирик пашша. *[Мулладўст:] Ўргилай, тақсир! Бебахтнинг ошига пашша ҳам, кана ҳам, сўна ҳам, қолаверса, шалоплаб олиб мана шунақа азройил ҳам, мункарнакир ҳам тушаверади.* Ҳамза, Танланган асарлар.

Сўна бўлмоқ Хира пашшадай ёпишиб олмоқ, пашшахўрда бўлмоқ.

СЎНА II Ёввойи ёки хонаки эркак ўрдак. *Шакаркўлга овга кетиб бораман, Шакаркўлдан сўна, суқсур ураман.* «Интизор».

СЎНГ 1 *от* Охир, пировард, ниҳоя. *Асарнинг боши ва сўнги. Зўрликнинг сўнги — хўрлик.* Мақол. ▬ *[Кумуш] Сўзининг сўнгини айтолмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қушбеги мактубнинг сўнгроғига келиб тўхтади-да, чақирди: -Пирмат, Пирмат!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дейдилар, фазонинг чегараси йўқ, Миллиард юлдузларнинг сўнги ҳам фазо.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *сфт.* Охирги, сўнгги. *Сўнг дафъа. Сўнг бор.*

3 *рвш.* Кейин, сўнгра. *Сўнг дарди енгиллашдими, қадамлари илдамлашди.* «Шарқ юлдузи». *Сўзимиз тамом бўлсин, сўнг боражакман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 *кўм.* (*ч. к. билан*) =дан кейин. *Бир оздан сўнг.* ▬ *Саломдан сўнг Аҳмад тўғри муддаога ўтди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Устод бир неча сониялик мулоҳазалардан сўнг қатъият ила олдинга юриб, ипни ушлади.* «Фан ва турмуш».

Сўнг сўз Асар охиридаги хотима; охирги сўз.

СЎНГАК Суяк, устухон. *Сўнгак ош бўлмас, нодон бош бўлмас.* Мақол. ▬ *Камина: -Оёғимда бодим бор, сўнгакларим ҳали бутун, шукр, замона тўқлиқ, илигим тўла, — дедим.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Энди нима қилай, энди даштни биёбонга бош олиб кетайми?! У ёқда сўнгагимниям ҳеч ким тополмайди.* «Ёшлик».

СЎНГГИ 1 Охирги, охиридаги. *Сўнгги йил. Сўнгги саҳифа. Сўнгги пушаймон — ўзингга душман.* Мақол. ▬ *Отам сўнгги ерини уч тиллога сотган маҳалда мен 10—11 ёшларда эдим.* «Фан ва турмуш». *Нимаики ёзма касалхонада, У сўнгги ишингдек туюлаверар.* А. Орипов, Йиллар армони. *Заргаров мезбон-*

нинг сўнгги сўзларини эслаб жилмайди. А. Мухтор, Асарлар. *Охунбобоев, уни хижолат қилмаслик учун, Норин суви қуйилиши керак бўлган каналнинг сўнгги участкасини кўргани Қорадарё бўйига тушиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Сўнгги вақтларда игна билан даволаш усулига қизиқиш ортиб бормоқда.* «Фан ва турмуш».

2 Маълум иш ёки маълум пайтдан кейинги, кейин бўлган ёки бўладиган. *Сўнгги қирқ йил мобайнида республикамизда илмий ходимларнинг умумий сони 103 марта.. кўпайди.* «Фан ва турмуш». *Сўнгги вақтларда шаҳарда ижобий силжишлар кўзга ташланаётганлигини қайд этиб ўтиш лозим.* Газетадан. *[Отабек] Ҳомиднинг бундан сўнгги режаларини ўрганишга ва шунга қараб кураш бошлашга қарор берган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЎНГРА *рвш.* **1** Кейин, сўнг. *Душман ошингни ер, Сўнгра бошингни ер.* Мақол. ▬ *[Фотима:] Олдин бир нарсага тушуниб олинг, сўнгра аччиқ қилсангиз мумкин.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

2 Бундан, булардан ташқари; иккинчидан. *Келувчилар «аҳли раста», яъни савдогарлардан, сўнгра уламо, мударрис ва эшонлардан иборат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди Салимжонга кириб айтинг, бундай ишдан қўлини тийсин! Бу — бир, сўнгра, ҳовлиқмасин.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЎНГСИЗ Сўнги, охири, поёни йўқ; бепоён, чексиз. *Сўнгсиз саҳро. Сўнгсиз йўл.* ▬ *Бобо ёнидаги боладай хушҳол, Тўрғайлар чарх урар сўнгсиз самода.* А. Орипов, Йиллар армони. *Дўстларим, булар ҳам мезонмас сира, Бу — менинг чувалган, сўнгсиз ўйларим.* А. Орипов, Йиллар армони.

СЎНГСЎЗ (*тўғриси* **сўнг сўз**) *қ.* **сўнг.**

СЎНИҚ 1 Ўчган, сўнган, ўчирилган, ўчиқ. *Сўниқ печь.*

2 Хира, нурсиз. *Сўниқ юлдузлар.* ▬ *Сўниқ кўзлари мўлтираб турган, ҳар бир буйруқни сўзсиз бажарувчи йигит, қадам ташлашидан ёш жувонга ўхшаган жулдур паранжили аёлни сарой томон бошлади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

3 *кўчма* Синиққан, сўлғин. *Сўниқ чеҳра.* ▬ *Ҳафиза ноумид уйга келди. У сўниқ, кайфи паст эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Балки қаршингизга келгандир мунис Бева келинчакнинг сўниқ рухсори.* А. Орипов, Йиллар армони.

4 Ҳарорати, қўри кетган; сўнган. *Қалби сўниқ кишилар.*

Руҳи сўниқ *ёки* **сўниқ руҳ** Руҳи тушган, руҳи сўлғин. *Руҳи сўниқ кишидан путур кетар ишидан.* Мақол. ▬ *Пайғамов хотинининг сўниқ руҳи, совуқ қарашларини Нусратбек сезганидан пинҳона изтироб чекди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

5 *кўчма* Бўғиқ, ҳазин. *Сўниқ товуш.* ▬ *-Ҳеч қандай айбим йўқ, ҳеч нарса билмайман, оға, — деди сўниқ овоз билан Абдусаломхўжа.* Ж. Шарипов, Хоразм.

СЎНИҚЛИК Сўниқ, нурсиз бўлишлик; руҳи тушганлик, руҳсизлик. *Нурнинг сўниқлиги. Кўзнинг сўниқлиги.* ▬ *Чунки киши юзидаги сўниқлик, эснаш одатидек, дарров бошқаларга ҳам ўтади.* Мирмуҳсин, Илдиз ва япроқлар.

СЎНМАС 1 Сира ўчмайдиган, сўнмайдиган, абадий ёниб турадиган; ўчмас. *Ёдгорлик ёнида сўнмас машъал ёниб турибди.* ▬ *Умидни жодига қўйиб, тўрт бўлак қилса бўладиган хиёнатини ҳам биларди. Лекин юрагида бир сўнмас оташ лов-лов ёниб ётарди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Абадий турадиган; ўлмас. *Бу саҳар минг йиллар тилакларига Сўнмас овоз бериб янграган бонгдир.* А. Шер, Қадимги куй. *Олисдаги тоғлар сўнмас виқор билан қад кериб турибди.* «Шарқ юлдузи».

СЎНМОҚ 1 Ёнмай, ёруғ бермай қўймоқ; ўчмоқ. *Учқун йилт этиб сўнди.* «Шарқ юлдузи». *Мушакнинг кўк, сариқ, қизил шуълалари тупроқ уюмларини, чойхона томларини узоқ ёритиб турди-да, кейин аста сўнди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Домла сўна бошлаган гулханга ўтин ташлай туриб, унга синовчан қараб қўйди-ю, атай елка учирди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Ёруғлик кучи, даражаси пасайиб, нурсизланиб бормоқ, хира тортмоқ, хиралашмоқ. *Чекина олмайди деворда тасвир, Секин сўна бошлар деворда қуёш.* Х. Даврон, Қақнус. *Деразадан тушиб турган ёруғлик аста-аста сўниб, уй ичи қоронғилашаверди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 *кўчма* Дастлабки кучи, даражаси, шиддати пасаймоқ, сусаймоқ; ўчмоқ. *Юракдаги исёнкор туйғулар аста-секин сўниб, хаёлини аллақандай маъюс ўйлар банд этди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Илгаригидек*

ёнишлар, талпинишлар, эркалашлар, ҳаяжонлар сўнгандек.. Мирмуҳсин, Умид.

4 *кўчма* Пасаймоқ, кучсизланмоқ (овоз, товуш ҳақида). *Олам сукунатини анча йироқлашиб кетган поезднинг сўниб борувчи тарақа-туруқидан бўлак ҳеч нарса бузмасди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Сўниб қолган кулги яна оловлана бошлади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Ҳаёти (*ёки* **умри) сўнмоқ** Ўлмоқ, вафот қилмоқ.

СЎПОҚ Ясси ва чўзиқ (асосан бош ва юз тузилиши, бичими ҳақида). *Сўпоқ бош. Сўпоқ (бош) бола.* ▬ *Не кўзи билан кўрсинки, қизнинг рўпарасида турган — Қултой калла эди. Унинг катта сўпоқ боши чироқ ёруғида тебранди.* А. Мухтор, Асарлар. *Сўпоқ бошнинг таклифи билан қафасни боғнинг гадой топмас бир чеккасига кўчиришганди.* «Шарқ юлдузи».

Ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ демоқ *қ.* **ўпоқ.** *Бибижоннинг бешик қўлтиқлаб, бола боқиб ўтириши бойга ҳам, унинг хотинларига ҳам хуш келмасди. Шунинг учун ҳам улар бу ўзича бахтиёр онага, ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, деб кун кўрсатишмади.* К. Яшин, Ҳамза.

СЎППАЙМОҚ 1 Ёлғиз қўққайиб турмоқ; хунукдан-хунук бўлиб қўққайиб қолмоқ. *Аёл кийим-кечаклар бетартиб сочилган хона ўртасида гангигандек сўппайиб турарди.* «Ёшлик». *Хотин мендан бирор ўн ёш кичик, кўриниши ҳам шунга яраша, лекин ўзимизнинг бўларимиз бўлган.. бурун сўппайиб чиққан, лунжлар осилган, бўйин қилтириқ тортган.* М. М. Дўст, Лолазор. *Нима қилсин, бир ўзи ҳовлида сўппайиб тура олмайди-ку.* «Ёшлик».

2 Кимсасиз, ёлғиз бўлмоқ. *Чол-кампир сўппайиб қолдик. Уй жимжит.. бир-биримизга мўлтайиб қараб ўтирамиз.* В. Ғофуров, Вафодор. *Ҳамма далада, ишда, бир ўзим маҳаллада сўппайиб юргим келмади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Дунёга одам сўппайиб келиб, сўппайиб кетадиган бўлса, ундай одамнинг келганидан келмагани.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ҳеч нарсасиз, қуруқдан-қуруқ. *Тоғани [тоғанинг суратини] айниқса беш кетадиган қилиб чизибди. Хўп вақтида буюрган эканми. Бўлмаса қуруқдан-қуруқ, сўппайиб кириб боришарди.* М. Мансуров, Ёмби.

СЎРАБ-СУРИШТИРМОҚ *қ.* **сўрамоқ 1.** *Менинг назаримда, Фотима суҳбатга эҳтиёткорлик билан ёндашар, кўпроқ менинг ҳақимда сўраб-суриштирарди..* «Ёшлик». *Агар сенда эрлик ҳуқуқи бўлганида эди, менинг нима иш қилишим ва қаерларда юришимни олдинроқ сўраб-суриштирган бўлардинг.* «Ёшлик».

СЎРАМОҚ 1 Маълумот олиш, билиш учун савол билан мурожаат қилмоқ; савол, сўроқ бермоқ. *Манзилини сўрамоқ. Воқеанинг тафсилотини сўрамоқ. Сўраганнинг айби йўқ.* Мақол. *Кўп юргандан сўрама, кўп кўргандан сўра.* Мақол. ▬ *Куйганёр кўприги олдига келганда, шофёр тормоз бериб, қўй етаклаган кишидан еттинчи участка қай тарафдалигини сўради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Азизхоннинг ўша тарафларга боргиси келди. Шошиб сўради: -Армияга одам олишадими?* С. Аҳмад, Уфқ.

Кўнгил сўрамоқ *қ.* **кўнгил 1**. *Ҳаммадан онанг рози, Кўнгил сўраб туради.* «Қўшиқлар».

2 Кимсани чақирмоқ ёки чақирилишини илтимос қилмоқ. *-Алло, кимни сўраяпсиз? — Аҳмедовни сўраяпман.*

3 Билимини текширмоқ, имтиҳон қилмоқ. *«Ж»нинг каттасини кўрсатиб бермадингиз, эртага домла сўрайдиган эдилар. Қанақа ёзилади?* А. Қаҳҳор, Санъаткор. *Қўйинг, хола, алахситманг, дарсларини қилсинлар.. Битта-яримта одам дарсдан сўраб қолса.. Ҳеч ким сўрамаса ҳам, Ўрмонжон акам сўрайдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Фикрлашиб, маслаҳатини ёки рухсатини олмоқ. *[Қутидор] Хотини ва қизидан сўраб ўтирмай, бир кун дўконидан эркак совчилар билан битишиб ҳам келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Янаги йилга ер экувсиз қолса, колхоз ҳеч кимдан сўраб ҳам ўтирмасдан, қўш солиб юборади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Бирор илтимос ёки талаб билан мурожаат этмоқ; илтимос ёки талаб қилмоқ. *Изн сўрамоқ. Узр сўрамоқ. Қарз сўрамоқ. Номарддан ёрдам сўрама, юзингга солади.* Мақол. *Бой қўшнингдан сўрагунча, Йўқ уйингни ахтар.* Мақол. ▬ *Азизхон жой излаб аланглаб тураркан, юқорида ўтирган Белявский уни имлаб, юқорига чиқишини сўради.* С. Аҳмад, Уфқ. [*Муҳсина*] *Савол сўралганда ҳам, жавоб бермайди, эрига мўлтираб қарайди — изн сўрайди.* М. М. Дўст, Лолазор.

Баширжон ўзининг мушкул аҳволи тўғрисида маслаҳат сўрамоқчи эди, бўлмади. Кўрдики, акахоннинг аҳволи уникидан ҳам оғир. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Гуноҳини сўрамоқ Гуноҳидан ўтишни илтимос қилмоқ. *[Мирзақул:] Бой ота, Суярнинг гуноҳини мен сиздан сўрадим. Кечинг.* Н. Сафаров, Уйғониш.

6 Рухсат, ижозат ёки розилик олмоқ. *Эшик очиқ бўлса ҳам, сўраб кир.* Мақол. *Меҳмон сўраб емас.* Мақол. ▬ *Муқбил подшодан Ҳотамни бошлаб келишга ижозат сўрабди.* «Чалпак ёққан кун».

7 Кимсани хотинликка, келинликка берилишини илтимос қилмоқ. *Қиз(ини) сўрамоқ. Қизни сўраганга бер, Қимизни — сувсаганга.* Мақол. ▬ *Мамат қассобнинг қизини қўшни қишлоқдан бир неча одам сўраган эди.* «Ёшлик».

8 Бировни ахтармоқ ёки изламоқ. *Бугун Азизхонни сўрамаган, суриштирмаган одам йўқ, деса бўлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кўп шаҳарга бордим сўраб, Тополмадим норим истаб.* «Нурали». *Ҳозир Эшон қишлоқда ҳам у кишини икки отлиқ сўради.* С. Аҳмад, Уфқ.

9 Салом ва яхши истакларни бировга етказмоқ. *Қариндошларни сўраб қўйинг.*

10 Савдода, олди-сотдида ўз моли учун бирор нархни айтмоқ. *Қиммат сўрамоқ.* ▬ *-Тойчангизга неча пул сўрайсиз? -Эгаси юз сўм сўради. Мен етмиш сўм дедим.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *-Кетамиз, — деди [Отабек] бир оз ўйлангандан кейин, — мол баҳолари тўғрисида битишолмай турамиз — олғувчилар арзон сўрайдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

11 *фольк.* Идора этмоқ; ҳокимлик, ҳукмронлик қилмоқ. *Юртни сўрамоқ.* ▬ *Бу бошимга хос саллани ўрайман, Омон бўлсам, мамлакатни сўрайман.* «Эрали ва Шерали». *Чамбилбелни сўраб ётган зўр султон, Ўғил ёки қиз кўрмади Юнусдан.* «Маликаи айёр».

СЎРАШИШ 1 Сўрашмоқ 2 фл. ҳар. н. *-Ассалому алайкум, эшон ака, менман, — деди Ғуломжон ҳам, сўрашишга мажбур бўлиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Салом-алик; кўришиш. *Мўмин кишиларнинг қўл бериб сўрашиши бошқа миллатларнинг ўпишиб кўришиши билан баробардир.* «Фан ва турмуш».

СЎРАШМОҚ 1 Сўрамоқ 1-3, 5-10 фл. бирг. н. *Ундан ҳеч нарса сўрашмади.* ▬ *Штаб радиоузелидан тинмай қурувчилардан тартиб сақлашни, ўзбошимчалик қилмасликни сўрашарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Салом-алик қилмоқ, кўришмоқ. *Қўл бериб сўрашмоқ.*

СЎРГИЧ *бот.* Гулнинг оталик чангини тутиб қоладиган қисми, тумшуқчаси.

СЎРИ [*а.* سرير — каравот, койка] **1** Ток, қовоқ ва ш. к. чирмашувчи ўсимликларни ўстириш, кўтариб қўйиш учун шийпон шаклида, тик ёки қия қилиб кўтарилган мослама, қурилма. *Токларни сўрига олмоқ.* ▬ *Токни сўрида ўстириш усули халқ тажрибаси асосида вужудга келган.* «ЎзМЭ».

2 Нарса қўйиш, ёйиш учун қурилган, тўрт оёққа ўрнатилган тахта супа. *Инкубаторлар учун жой тайёрлаш, пиллахоналарни ремонт қилиш, ёқилғи жамғариш, биноларни дезинфекциялаш, сўкчаклар ва сўрилар ҳозирлаш ишлари авж олиб кетди.* Газетадан.

3 *шв.* Катта тахта каравот. *Ҳали барг ёзмай, безрайиб турган икки туп сада тагидаги чойхона сўриларида одам кўп.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шийпоннинг сўриси битди-ю, томи ёпиқсиз қолди.* «Шарқ юлдузи». *Искандар эса беихтиёр сўри панжарасига оғир суяниб, ўзи сезмаган ҳолда, тоғ ағдарган одамдек чуқур тин олди.* М. Мансуров, Ёмби.

СЎРИТОК *айн.* **сўри 1.** *Узум каттакатта боғларда ишком қилиб ўстирилса, шаҳар ва қишлоқ ҳовлиларида асосан сўриток усулида етиштирилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

СЎРМОҚ I **1** Лабларга қўйиб ёки лаб орасига олиб, сиқиб ичга тортмоқ. *Анорнинг сувини сўрмоқ. Жавзо кирмай, равоч сувини сўр.* Мақол.

2 Шу йўсинда овқатланмоқ, эммоқ (бола ҳақида). *Она кўкрагини сўриб ётмоқ.*

3 Дамига тортиб олмоқ. *Насос сувни сўриб олади.*

4 Умуман, тортиб олмоқ. *Куз офтоби.. эрталабдан оқшомги ёмғир заҳрини сўра бошлади.* Й. Шамшаров, Кумуш пиёла. *Тепага кўтарилган қуёш ўтли тили билан ер бағридаги барча намни сўриб оларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 Тирик организмларнинг сувини, ширасини, қонини махсус аъзолари ёрдамида тортиб ичмоқ (ҳашаротлар, қуш ва ҳайвонлар ҳақида). *Капалак гул сувини сўради. Зулук қон сўради.* ▬ *Ёш ўргимчаклар онаси-*

нинг ҳар томонидан қон суюқлигини сўраверади. «Фан ва турмуш».

6 Оғизга олиб ва тупук билан ҳўллаб, селини тил ва танглай ҳаракати билан аста-секин ичга ютмоқ; шиммоқ. *Конфет сўрмоқ.* ▬ *-Биз деҳқон одаммиз, Саидқул, — деди у. — Сиз у — аёллар билан кўп гаплашиб, оз тановул қилиб, кейин газагига қанд сўрадиган.* М. М. Дўст, Лолазор.

7 *кўчма* Зўрлик ёки алдов билан бировнинг кучидан, меҳнатидан, бойлигидан фойдаланмоқ; эксплуатация қилмоқ. *[Зуҳра:] Сигирнинг қулоғига тушган канадай эрни сўриб ётиш ҳам яхши касб!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

8 Чекмоқ, тортмоқ. *Чилим сўрмоқ.* ▬ *Бектемир махорка ўраб, жимгина сўра бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Бармоғининг (*ёки* **тирноғининг) кирини сўрмоқ** Оч қолмоқ, ейишга нарса тополмаслик. *Кўпларнинг егани нони, қалагани ўтини йўқ. Бармоғининг кирини сўриб, оёғини эски тўшакка ўраб ўтирибдур.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. **Қонини** (*ёки* **кучини, илигини**) **сўрмоқ** *қ.* **қон**. *Бултур, кеч куз, қишнинг бошлари бўлса керак — куч-қувватини аллақандай кўринмас жонзот сўриб олгандек, бирдан озиб-тўзиб.. ранги олинди, бурунги ғайратидан асар ҳам қолмади.* «Ёшлик». *Деҳқонларнинг ҳоли шундайин ўтган Шафқатсизлар илигин сўриб ётган.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

СЎРМОҚ II *айн.* **сўрамоқ**. *Ранг кўр, ҳол сўр.* Мақол. ▬ *Аслим сўрсанг, бир якдона гавҳарман, Ёвмит, дейди униб-ўсган юртимни.* «Гўрўғлининг туғилиши». *Арзи ҳолингни бугун сўргали султон келадур.* Ҳамза.

СЎРОВ 1 Сўрамоқ фл. ҳар. н. *Бадалмат дума, Боқижонбойларга айтиб, уйларидаги бутун гиламларини вокзалга чиқаришларини сўров керак.* F. Fулом, Танланган асарлар.

2 Савол, сўроқ. *Ҳафиза эрининг сўровига қисқагина жавоб қилди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Илтимос ёки талаб. *Суҳбатдошлар сўрови билан мен ҳам ўзим тўғримда сўзлаб бердим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 *расм.* Бирор маълумот ёки тушунтириш берилиши ҳақидаги расмий талаб; талабнома.

5 *расм.* Социологик тадқиқотларда қўлланадиган дастлабки ахборот йиғиш усули. *Сўров социологик ахборотнинг ишончлилигини, яъни тадқиқотларда олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаши зарур.* «ЎзМЭ».

СЎРОВНОМА 1 Ишга қабул қилишда тўлдириладиган расмий ҳужжат. *Сўровномада ишга кирувчи (тўлдирувчи)нинг имзосидан ташқари кадрлар билан шуғулланувчи (ҳужжатни текшириб олувчи)нинг ҳам имзоси бўлади.* «ЎзМЭ».

2 Тўлдираётган одам ҳақида бирон-бир маълумот олиш ёки муайян дастур бўйича тузилган саволларга жавоб олиш учун бериладиган сўров варақаси, анкета. *Сўровнома тузиш, уни тарқатиш, ўрганиш (анкеталаштириш) ижтимоий фанларда, аҳоли руҳиятини ўтказишда, жамоатчилик фикрини ўрганишда қўлланади.* «ЎзМЭ».

3 *айн.* **сўров 4**. *Ўша сўровномага ташкилот раҳбари нима жавоб қилган?* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

СЎРОҚ 1 Савол, сўров. *Сўроқ бермоқ. Сўроқ оҳанги. Сўроқ гап.* ▬ *Кечир, Зайнаб, ожиздир Омон, Бу сўроғинг жон ўртар ёмон.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар. *«Нега?», дейсан, тушунмайсан, ўз сўроғингнинг Жавобини юрагингдан тинглаб кўрасан.* F. Fулом, Танланган асарлар.

Сўроқ белгиси *тлш.* Мазмунидан сўроқ англашилган гаплар охирига қўйиладиган ва шу гапнинг ифода мақсадига кўра сўроқ гап эканлигини кўрсатадиган тиниш белгиси.

2 *ҳуқ.* Шахсдан кўрсатув ва тушунтирув олиш воситаси. *Сўроқ бермоқ. Сўроқ қилмоқ.* ▬ *Сўроқ вақтида қийноққа солиш, зўравонлик, шафқатсизлик ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этиш жиноят ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

3 *айн.* **сўров 4**. *Ахир, улар сайловчи халқда! Уларнинг сўроғига, талабига тўла жавоб бериш керак-да.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

СЎРОҚЛАМОҚ 1 Сўрамоқ, сўраб-суриштирмоқ. *Чол Сувонжоннинг шарпасини сезди шекилли, «топдингми?» деб сўроқлаб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Сўраб-сўраб қидирмоқ, суриштирмоқ; даракламоқ. *Ёр ишқида неча бағримни доғлаб, Мен борайин Шаҳризарни сўроқлаб.* «Маликаи айёр». *Паризодни сўроқлаб, Бағрини ўтда доғлаб, Хоннинг эшигин қоқди, Эриб сув бўлиб оқди.* Ҳ. Олимжон.

СЎРОҚСИЗ 1 Рухсат олмасдан, берухсат. *Бўтабой сўроқсиз эшикни очиб кирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Вақт ҳам биздан сўроқсиз ўтиб боряпти.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

2 *ҳуқ.* Сўроқ қилмасдан; терговсиз. *Сўроқсиз уч кун ётиб чиқибди.*

СЎРРАЙМОҚ 1 *айн.* **серраймоқ.** *Қуйидаги кўлага ҳануз бўғот остида сўррайиб турар эди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бечора Дандонов сўррайиб қолди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Озиб-тўзиб кетмоқ, ўлар ҳолатга етмоқ. *Йигитнинг.. чўзинчоқ юзи сўррайиб қолди.* С. Анорбоев, Меҳр.

СЎРҒИЧ 1 Эмизикли болалар эмчак ўрнида сўрадиган резина буюм; эмизик. *Турсун Тўраевичнинг ҳали-вери гапдан тийилишига кўзи етмаган хотин қўлидаги боласини ён тарафдаги стулга ўтқазди-ю, оғзига сўрғичини бериб, жаҳл билан ўрнидан турди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Искандар елиннинг сўрғичдек учларидан «тиз-тиз» чўзилиб тушаётган сутга ҳайрат билан тикилиб қолди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *анат.* Тери ва шиллиқ парда сиртидаги сезгир дўмбоқчалар. *Тилни текширган чоғда.. тил сўрғичларига ҳам диққат билан қараш лозим.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *[Сўрувчиларнинг] Оғиз сўрғичи гавдасининг учида, унинг тубида оғиз тешиги жойлашган.* «ЎзМЭ».

3 *бот.* Чирмашиб ўсадиган паразит ўсимликнинг туксимон ўсимталари.

4 *с. т.* Сурғуч. *Хизматкорлар кўзаларнинг оғзига сўрғич суриб, қатронга юмалатиб юборишди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. *Бу — вокзалнинг почта омбори бўлса эҳтимол, эски яшиклардан сўрғич, елим, сирач, мумланган каноп ҳиди келиб турибди.* «Ёшлик».

СЎТА 1 Битта йўғон этли ўқда жойлашган тўпгул.

2 Маккажўхорининг донли ёки дони олингандан кейин қолган ўзаги; тўпмеваси. *Сўта ёқмоқ. Сўталарни йиғиштирмоқ.* ▬ *Мана шу ҳафта сувли дарада кийик жўхори сўтасини кемириб турганини ўз кўзим билан кўрдим.* Н. Норматов, Исмоил тоға тарозиси. *Доналари марвариддай жўхори сўтасини отмоқчидай, она дўқ қилди қизга.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 *шв.* Таёқ, калтак. *«Ҳа, бўйнинг узилгур!» деб, ердан узун сўта олиб қувди.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди. *Қирдан ошган ерда бир одам келаяпти, эгнида жанда, қўлида сўта, оғзидан парча-парча кўпик тўкилиб келаяпти.* «Юсуф ва Аҳмад».

СЎТАК Содда, гўл. *Сўтак одам.* ▬ *-Кекиртагингни узиб ташлайман, сўтак! — деган дарғазаб овозлар эшитилади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

СЎТАКЛИК Ёшлик; соддалик, гўллик. *Сўтаклик қилмоқ.*

СЎТМОҚ *шв.* Ситмоқ, сўкмоқ, чок-чок қилмоқ. *Чокини сўтмоқ.* ▬ *Жилва бериб кулишиб, Қизлар ўтиб боради. Жонон чиннидай овози Юракни сўтиб боради.* М. Алавия.

СЎФИ [*а.* صوفی — суфийлик издоши] **1** Масжидда азон айтувчи киши; муаззин. *Бутоқда хўроз қичқирар, Мезанада — сўфи.* Мақол. ▬ *Мана бугун Султонбой қишлоқ сўфиси азон айтмасдан ўрнидан туриб, томга қамиш босаётибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Лектўр [лектор] сўфи азон айтгандай қилиб гапираркан.* «Ёшлик». *Қўқоннинг эски шаҳарига қарашли бир масжидда бир сўфи бўларкан.* Газетадан.

Сўфи азон айтмасдан Жуда эрта, тонгсаҳарлаб. *[Аёл] Сўфи азон айтмасдан уйғониб, нон ёпди, мол-ҳолга қаради.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Содда, гўл, художўй одам. *-Вой, отаси тушкур-ей, — деди кула-кула Муса, — мен сизни сўфи, бундай ишларга эътибор қилмайди, деб юрсам, сизда гап кўп экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уч-тўрт хотинли бойларнинг, айниқса, чорбозорчи савдогарларнинг беш-олтилаб хотинлари эрларини кутиб, сўфи бўлиб ўтиришади дейсизми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЎФИЁНА [*ф.* صوفيانه — суфий каби, суфийлардек] **1** *дин.* Суфийлик руҳидаги, суфийлик руҳи билан суғорилган. *Сўфиёна дунёқараш.* ▬ *Султонмурод.. сўфиёна руҳ билан айтилган бир ғазалнигина мақтади.* Ойбек, Навоий.

2 Содда, художўй одамларга хос бўлган. *Сўфиёна кўриниш.*

СЎФИЙ *дин. айн.* **суфий**. *Сўфийларнинг фикрича, инсон нафсга эрк бермаслиги, уни ўз вақтида жиловлай олиши зарур.* «Фалсафа».

СЎФИЙЛИК *қ.* **суфийлик, тасаввуф.** *Сўфийликнинг амалиётига кўра, баркамол инсон ўз нафсини тия оладиган, ақл-заковатни ҳар қандай ҳиссиётдан устун қўя оладиган, қалби яхшилик, эзгулик билан тўла кишидир.* «Фалсафа».

СЎФИЛИК Масжидда азон айтиш, сўфи машғулоти. *Сўфилик қилмоқ.* ▬ *Борингки, ўғри қариганда сўфилик ихтиёр этган бўла қолсин.* М. М. Дўст, Лолазор.

СЎФИНАМО [*а.* + *ф.* صوفی نما – сўфига ўхшаш] Сўфи каби, сўфига ўхшаш. *Мингбошиси сўфинамо, Тасбеҳу бўйнида ридо, Чўқиб қочар зоғи аъло, Бир доғули айёр экан.* Муқимий.

СЎФИТЎРҒАЙ Бошида патлардан кокили бўлган, ерда яхши югурадиган, чумчуқсимонлар туркумига кирувчи қуш. *Эшикка чиқса, унинг ҳуснига маст бўлиб, сўфитўрғай, каклик, бўдана [бедана] – жами қушлар беадад сайрашар эди.* «Ойсулув». *Кейин қир устида сўфитўрғай нозик чулдиради.* М. Мансуров, Ёмби.

СЎХТА [*ф.* سوخته – куйган, ёндирилган; тагига олган; хафа, ғамгин] Пиликнинг куйган қисми. *Отабек миқроз билан шам сўхтасини кесиб тузатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мойи тугаб, пилиги сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сўнди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Гўр сўхта *қ.* **гўрсўхта. Жигар сўхта** *қ.* **жигарсўхта**. **Жувон сўхта** *қ.* **жувонсўхта. Сўхтаси совуқ** Ёқимсиз, турқи хунук. *Сўхтаси совуқ одам.* ▬ *Хуморхон ёмон кўради шу сўхтаси совуқ Раҳмонқуловни.* А. Мухтор, Туғилиш. **Сўхта бўлмоқ** Куйиб, кўмирга айланмоқ (лампа, шам ва ш.к. нинг пилиги ҳақида). *Сўхта бўлган пилик боши кесилур..* Ш. Шомуҳамедов.

СЎХТАЛАНМОҚ Куйиб кўмир бўлмоқ, қора кукунга айланмоқ. *Тун ярмидан оғиб, чироқ пилиги ҳам сўхталанди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

СЎҚА [*р.* соха – тирговуч, тамба; омоч] Ер ҳайдаш учун ишлатиладиган чўян тишли содда асбоб; омоч. *Ерни сўқа, эски омоч эмас, трактор ҳайдайди. Ғўзага машина ишлов бериб, ҳатто пахтани машина териб беряпти.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўшанда сўқа билан ер ҳайдаган деҳқонлар, дон сепиб бўлгач, катта тўй ўтказишар экан.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

СЎҚИМ 1 Сўйиш учун семиртирилган, бўрдоқи қорамол (буқа, ҳўкиз, сигир). *Сўқим гўшти. Сўқим сўймоқ. Сўқимга боқмоқ.* ▬ *Халойиққа энди обу ош берди, Қанча қўю қанча сўқимлар сўйди.* «Нурали».

2 *кўчма салб.* Ишламай еб ётувчи, давангирдай соғ одам ҳақида. *Сўқимдек йигит.* ▬ *-Ўргатма менга!.. – қаҳрдан қичқиради Муҳсина хоним. – Бир гала сўқим, бир гала текинтомоқ.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бу сўқимларни кутиб, ичагингиз узилиб кетади. Улар туни билан зиёфатда кабоб еб, ҳиринглашиб чарчашган.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

СЎҚИР [*мўғ.*] **1** Кўр, ожиз. *Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар.* Мақол.

2 Кўзи кўр, кўзи ожиз одам. *Сўқир киши.* ▬ *-Ҳой, мўғуллар! – деб заҳарханда кулди у [Темур Малик]. – Иккингиз учун садоғимда икки ўқ қолди, иккингизни ҳам сўқир қилиб қўяйми?* М. Осим, Карвон йўлларида. *Бенафдур сўқирга тутилган чироқ.* Ш. Шомуҳамедов.

3 *кўчма* Ҳеч нарсани билмайдиган, сезмайдиган; қолоқ, кўр. *Кўзи сўқирдан кўкраги сўқир ёмон.* Мақол. ▬ *Нима қилай, бу сўқир кўзлар кеч очилган бўлса?* «Ёшлик». *Шунча пайтдан бери кўр эканман, сўқир эканман.* «Шарқ юлдузи».

СЎҚИРЛИК Кўрлик, кўзи ожизлик; қолоқлик. *Кўзнинг сўқирлиги. Маънавий сўқирлик.*

СЎҚМА Ўзича ўйлаб чиқарилган, сўқилган, тўқилган, ясалган; ясама. *Сўқма тил.* ▬ *Уйнинг тўрида.. сўқма тахта стол олдида, беш-олти кишидан иборат ҳайъат ўтирибди.* Ойбек, Болалик.

Сўқма йўл *айн.* **сўқмоқ** I **1**. *Тупроқ тўкиладиган жойга мокидай қатнаб, сўқма йўлни шулар шиббалаган.* Газетадан. *Боши ғувиллаб, ташқарига чиққанида, тонгнинг соф ҳавосиданми, юрак ютиб қилган ишиданми, бир оз енгил тортиб, дуч келган сўқма йўлга тушиб юриб кетди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

СЎҚМОҚ I **1** Одамлар қатнови натижасида ўз-ўзидан юзага келган ёлғизоёқ йўл. *Мана шу адирлар бағридан бир сўқмоқ ўтган.* «Ёшлик». *Саҳро сўқмоғида бошин эгиб жим, Бир кимса кетмоқда, билмасман, у ким.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *кўчма* Киши фаолиятида, ҳаётда босиб ўтган ёки босиб ўтиладиган йўл. *Ҳаётимиз жуда гўзал. Лекин унинг ўзига яраша паст-баландликлари, сўқмоқлари ҳам бор. Ўйлаб турсам, менинг ёлғизоёқ сўқмоқ йўлим аллақачон тугабди.* А. Мухтор, Асарлар.

СЎҚМОҚ II **1** Урмоқ, туширмоқ, солмоқ. *Мушт билан сўқмоқ. Калла сўқмоқ. Сў-*

қолмаган сўйил кўтарар. Мақол. ▬ *Йўқ, оғалар, темирни қизиғида сўқиб қолиш керак!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кам қўлл.* Ўзича ўйлаб чиқармоқ, тўқимоқ, ясамоқ. *«Яқинда Қирмизхон билан Қиёмхоннинг тўйлари бўлармиш», деб Ислом отадан қутулиш учун шунчаки важ-корсон сўққан эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Фалсафа сўқмоқ *айн.* **фалсафа сотмоқ** *қ.* **фалсафа 2**.

СЎҚҚА Ҳеч кими йўқ, ёлғиз, якка. -*Ўзинг сўққа жонингни боқолмайсан-у, тўқлини қандай қилиб боқасан, — деди Шум бола Омонга.* F. Fулом, Шум бола.

СЎҚҚАБОШ 1 Ҳеч кими йўқ, ёлғиз. *Сўққабош одам.* ▬ *[У] Дунёда яккаю ягона, сўққабош одам.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Назарбек, бизда оила йўқ, оиламиз ўн йил бурун қазо қилган, икки фарзандимиз бор эди, бири ҳам турмади. Сўққабошмиз энди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Уйланмаган, бола-чақа қилмаган; бўйдоқ, ёлғиз. -*Биби Робия, — деди у [Яхшибоев] — сўққабош ўтиб кетяпсан.* М.М.Дўст, Лолазор.

СЎҚҚАБОШЛИК Сўққабош, ёлғиз бўлишлик. *Сўққабошлик жонга тегди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

СЎҚҚАЙМОҚ *с.т.* Сўппаймоқ, қўққаймоқ. *Сўққайиб турмоқ.* ▬ *Кўкка чарх урган қушлар ҳар замонда югуриб келиб, қўлларини кўксига қовуштирганича сўққайиб қоладиган кулранг юмронқозиқларга ўз жамолини кўзкўз қила бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СЎҒИН *шв.* Сўнг, кейин, сўнгра. *Ундан сўғин элдан кўп лашкар олиб, Келган ёвман [ёв билан] сўғин жанжал қилажак.* «Юсуф ва Аҳмад». *Китоб ўқиган одамларни садағаси кетай, ўқиб-ўқиб, сўғин начайли [начальник — бошлиқ] бўлишган.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

СЎҒИР *с. т.* Суғур.

СЎҒОН *шв.* Пиёз. *Сўфи сўғон ер, топилса йўғон ер.* Мақол.



ТААДДИ [*а.* تعدّى – ҳужум, тажовуз қилиш; жабр-зулм; зўравонлик; қонунбузарлик] *эск. кт.* **1** Шафқатсиз эзиш; зулм, жабр. *Биз.. Мусулмонқулнинг зулм ва тааддиси.. бағоят ошиб борганлигини музокара.. қилишдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир нечаси айтди: -Ҳозир Ултоннинг тааддисидан қочиб, бўлак чегарага бориб турганимиз маъқул.* «Ёдгор».

2 *кўчма* Дағдаға, дўқ, пўписа. [*Султонмурод*] *Таадди билан баланд кела бошлади: -Сизлар ким? Нима ҳақларинг бор?* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Таадди қилмоқ Дўқ, пўписа қилмоқ. *Кўтарилиб, менинг кўнглим қавартма. Жўна деб, Шомирот, таадди қилма!* «Ёдгор».

ТААЖЖУБ [*а.* تعجّب – ҳайрон бўлиш, ажабланиш] **1** *сфт.* Кишини ҳайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган, ғалати. *Таажжуб нарса. Таажжуб иш.* ▬ *Бу таажжуб ҳол одамларда гумон туғдирмай қолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Редакцияга ақл бовар қилмайдиган таажжуб бир хат келди.* «Муштум».

2 *от* Ажабланиш, ҳайронлик. *Қўлдош юзида таажжуб аломати пайдо бўлди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Хотиннинг таажжуби ошди.* С. Айний, Қуллар. *-Юсуфжонов?! – деди қоровул ҳам таажжуб, ҳам хурсандлик билан.* Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. [*Сафар*] *Таажжуб ва ҳайрат ичида келиб, меҳмонхонага кирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Кишининг ажабланиш ҳолатини, ҳайронлигини билдиради; ажаб, қизиқ. *Таажжуб, унинг мактуби юрагимда на севинч уйғотди, на бир ачиниш!* О. Ёқубов, Тилла узук. *Лекин таажжуб: одамларнинг илиқ муомаласи, айниқса, Шербекнинг меҳрибонлиги негадир унинг кўнглини бузди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Таажжуб қилмоқ Таажжубланмоқ. **Таажжубга солмоқ** Ажаблантирмоқ. *Мени таажжубга солган нарса шуки, нима учундир ҳеч ким қачон ва қандай мукофот олганимни сўрамасди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Таажжубга тушмоқ** Ажабланиш ҳолатида бўлмоқ; ажабланмоқ. *Меъмор ўзини уста Абдуғафур негадир юқори қаватга чақиртирганидан таажжубга тушди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТААЖЖУБЛАНАРЛИ Кишини таажжубга соладиган, ажаблантирадиган; ҳайрон бўларли, ажабланарли. *Бунинг ҳеч таажжубланарли жойи йўқ.* ▬ *Хусусан, бундай юмушлар хизматкорларга буюрилса, бу ҳеч қандай таажжубланарли ҳол ҳисобланмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТААЖЖУБЛАНМОҚ Ҳайратда қолмоқ, ҳайрон бўлмоқ, ажабланмоқ. *Бирдан бошқа бир овоз эшитилди: кимдир тез-тез гапиради, дам эркакча, дам хотинча сўзлайди, дам чақалоқ бўлиб «инга»лайди.. Йўлчи таажжубланиб, Ёрматга қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Олахўжа Мели полвоннинг олдига келди. Бузилаётган ерни қучоқлаб, ётиб олди. -Ийи, ийи! - дейишди таажжубланган одамлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТААЖЖУБЛИ *с. т.* Таажжубланарли, ажабланарли, ҳайрон қоларли, ғалати, қизиқ. *Таажжубли ҳол.*

ТААЛЛУҚ [*а.* تعلق – алоқа, боғлиқлик; содиқлик, мухлислик; ишқ-муҳаббат; те-

гишлилик] **1** *кам қўлл.* Алоқадорлик, дахлдорлик; алоқа, боғланиш, муносабат. *Бу ишнинг сизга ҳам таллуқи бор.* ▬ *Асад қори.. сўнгги ҳикоянинг ҳам ўзига таалluқи йўқдай, без бўлиб ўтираверди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *эск.* Уйланиш; алоқадорлик; хотин, рафиқа. *Отабекнинг иккинчи таллуқи* [*Зайнаб*] *тўғрисида келин боламизга билдирилмаса хўп эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТААЛЛУҚДОР [*а.* + *ф.* تعلّقدار – таллуқли, алоқаси бор, алоқадор, боғлиқ] **1** *айн.* **таллуқли.** *Ишга таллуқдор ҳужжат.*

2 *кўчма эск. айн.* **хотинли.**

Таллуқдор қилмоқ Уйлантирмоқ, хотин олиб бермоқ.

ТААЛЛУҚЛИ 1 Бирор нарса ёки кимсага алоқаси, боғланиши бўлган; дахлдор, алоқадор. *Ишга таллуқли ҳужжатлар.* ▬ *Маҳкамов бошлиқнинг оғзига кўз тикиб, ишга таллуқли бирор муҳим гап кутарди.* «Муштум».

2 Бирор нарса ёки кимсага қарашли, тегишли, мансуб. *Ғиждувонга ревком келиб: -Амир ва унинг билан қочган одамларга тегишли моллардан ва умуман подшоҳликка таллуқли нарсалардан бошқа нарсалар мусодара қилинмасин, – деди.* С. Айний, Қуллар.

ТААЛЛУҚСИЗ Алоқаси, боғланиши, дахли бўлмаган; алоқасиз, муносабатсиз. *Ишга таллуқсиз ҳужжат.*

ТААММУЛ [*а.* تأمّل – кўриб чиқиш, муҳокама; мушоҳада; ўйлаш, фикр, мулоҳаза юритиш] *эск. кт.* Андиша, фикр, мулоҳаза.

Таммул қилмоқ Ўйламоқ, ўйлаб қолмоқ. *Хатиб домла мулла Обиднинг кўзидан бир маъно ўқиш учун тиришгандек бир оз таммул қилиб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТААРРУЗ [*а.* تعرّض – халақит бериш; қаршилик, эътироз] *эск. кт.* Бирор нарсага, ишга, ҳаракатга кўрсатилган қаршилик, тўсқинлик.

ТААССУБ [*а.* تعصّب – бирор нарса ёки ғояга беҳад берилиш, кўр-кўрона эргашиш; фанатизм] **1** Бирор кимса ёки нарсага тақлид қилиш, эргашиш.

Таассуб қилмоқ Тақлидан эргашмоқ. *Сен Кумушхонга таассуб қиламан дейсанми?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Эътиқод, маслак ва ш.к. га кўр-кўрона берилиш; фанатизм. *Мулла Обидбой ва домлаларнинг қутқуси биланми ёки ўзининг диний таассуби орқасиданми, баҳарҳол, ерни рад қилди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТААССУРОТ [*а.* تأثّرات – таъсирчанлик, ҳассослик; ғам-андуҳ, хафагарчилик] Кўрилган, ҳис этилган ҳодиса, киши ёки нарса тўғрисида кўнгилда, хотирада қолган из, туғилган фикр ва ҳис-туйғулар мажмуи. *Сафар таассуротлари. Яхши таассурот қолдирмоқ.* ▬ *Бу куннинг кўркамлигидан олган таассуротини Али ичига сиғдиролмади: -Зап яхши куними! – деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Болалар янги ўқитувчининг дарси тўғрисида ўз таассуротларини ўртоқлаша бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТААССУФ [*а.* تأسّف – афсусланиш, ачиниш, куйиниш] Кўнгилсиз, номақбул воқеа, ҳодиса, аҳвол ва ш.к. дан туғилган ачиниш; афсус. *Таассуф қилмоқ. Таассуф билдирмоқ.* ▬ *-Ғоят таассуф! – деди Талъат афанди, бармоқларини қовуштириб қирсиллатаркан.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Отабек уялув аралаш кулумсираб, қутидорга қаради: -Таассуфки, эслай олмайман! – деди у.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Раҳматли валламат одам эдилар, – таассуф билан гапирарди кимдир.* «Ёшлик».

ТААССУФЛАНМОҚ Таассуф қилмоқ, афсусланмоқ, ачинмоқ. *Биз унинг* [*Лутфиллaнинг*] *аянчли ҳолига.. таассуфландик.* Мирмуҳсин, Созанда.

ТАБ [*ф.* تب – иситма, безгак] *с. т.* Тафт, ҳарорат.

Таб босди қилмоқ Тафтидан, ҳовуридан туширмоқ, таскин, тасалли бериб ёки бирор нарса билан овутиб, тафтини, ҳовурини босмоқ. *Ўзимнинг гапимга ўзим пушаймон еб, ўлганимнинг кунидан «таб босди» қилиб, шартномага қўл қўйдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. **Таб тортмаслик** Бирор нарса қилиш ёки айтишдан қайтмаслик. *Қизлар – бало.. Кечалари ҳам далага чиқишдан таб тортмайди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Зуҳра ҳам таб тортмай: -Туртмасдан гапирсангиз бўлмайдими, ургандан туртган ёмон, – деди.* Ойдин, Ҳикоялар.

ТАБАА [*а.* تبعه – қарашлилик, тобелик; миллат, миллий мансублик; фуқаролик] *эск. кт.* Фуқаро, фуқаролар. *Ўз хўжайинлари.. иродаси билан.. инглиз табааси Шайх Файз Муҳаммадхон солган суннийларнинг ягона масчитига имом бўлиб жойлашди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТАБААЛИК *эск. кт.* Фуқаролик.

ТАБААСОЗЛИК *эск. кт.* **1** Кимсага тақлид қилиш, эргашиш, таассуб.

2 Кимсанинг кўнглига қараб иш қилиш, кўнгилсозлик. *Табаасозлик қилмоқ.*

ТАБАР [*ф.* تبر – болта] **1** *шв.* Болта. *Муллалар ўқийди зеру забарни. Усталар ишлатар теша, табарни.* «Равшан».

2 *тар.* Ойболтанинг бир тури, қадимий жанг қуроли. *Сипоҳ билан гаплашмоқчи бўлсанг, қўлингда табаринг бўлсин, деганлар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАБАРГУЛ *бот.* Чучмомагулдошлар оиласига мансуб, хушбўй оқ гулли, туганак пиёзли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

ТАБАРРУК [*а.* تبرّك – дуо, фотиҳа олиш, рухсат, розилик олиш; муборак, муқаддас] **1** Улуғ ҳурматга сазовор, ғоят ҳурматли, мўътабар ва азиз. *Табаррук чол.* ▬ *Қишлоқнинг табаррук онахонлари уйда бешикка гаврапўш ёпишаётган экан.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Табаррук инсон Шоаҳмад ака айтгандек, «Ҳамма миллат болалари бир бола» эди.* Р. Файзий, Таъзим.

2 Яқин, мўътабар кимса ёки нарсани эслатадиган, ундан эсдалик, ёдгорлик бўлиб қолган. *Отамдан қолган табаррук китоб.* ▬ [*Навоий:*] *Энди, сиз бу табаррук қилич билан давлатимизни, салтанатимизни, мамлакатимизни ва унинг санъатини ҳимоя қилинг!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 Илоҳий кучга эга бўлган; муқаддас; азиз-авлиёларнинг назари тушган. -*Маккатуллода, табаррук ерда эримга қуръон ўқитарман, гуноҳларини худодан йиғлаб тиларман, деган ният қанот бўлди, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Элимиз нонни ва донни табаррук ҳисоблаб, пешонасига суртади.* Газетадан. *Она! Дунёдаги энг азиз, энг лазиз ва табаррук, энг муҳтарам калом бу!* «Саодат».

ТАБАССУМ [*а.* تبسّم – жилмайиш; илжайиш] Юз, кўз ва лаблар билан кулумсираш ҳолати, шундай ҳолат ифодаси; жилмайиш. *Ҳаётнинг юзига ширин табассум югурди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отабек ҳам истеҳзоли табассум орасида Ҳомидга кўз қирини ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг лабларидаги табассумни кўрган Зулфиқор ашулани яна баландроқ олди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шоиранинг кўзлари табассумдан ёниб турар эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

Табассум қилмоқ Кулумсирамоқ; жилмаймоқ. *Юлдузхон Муҳиддинга қараб, маънoли табассум қилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ТАБАҚ [*а.* طبق – қопқоқ; ликоп, лаганча] **1** *эск. кт. айн.* **товоқ.** *Ош мисоли табақда кўз ёши, Курмаги кўп, гурунчидан тоши.* Муқимий. *Лочираю патирлар, ширинликлар, табақларда эту кулчатой, косаларда шўрвалар..* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Чоп қилинган босма матнни ўлчаш бирлиги, босма табақ. *яна қ.* **босма**. *Бу луғат тахминан 25 табақ ҳажмида бўлиб, ўн мингга яқин сўзни ўз ичига олади.* «ЎТА».

ТАБАҚА [*а.* طبقه – қатлам, қават; даража] **1** Эшик, дераза ва ш.к. нинг очилиб-ёпиладиган ҳар бир бўлаги. *Якка табақа дераза. Қўш табақа эшик.* ▬ [*Ҳасанали*] *Занжирни тушириб, дарвозанинг бир табақасини очиш ҳамоно, шу табақага суяниб турган Отабек Ҳасаналининг оёғига йиқилиб тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Халқ ичидаги муайян ижтимоий қатлам, гуруҳ, тоифа. *Савдогарлар табақаси.* ▬ *Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Мусулмонқул даккисини еб келган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тахта атрофида ўтирганлар орасида аҳоли турли табақаларининг вакиллари бор эди.* Газетадан.

ТАБАҚАЛАНИШ 1 Табақаланмоқ фл. ҳар. н.

2 Табақаларга ажралиш, шундай жараён. *Аҳолининг табақаланиши.* ▬ *Фақат жамиятда ҳукм сурган тенгсизлик, табақаланиш – одамларни бир-бирларига бўри.. қилиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАБАҚАЛАНМОҚ Табақаларга бўлинмоқ.

ТАБАҚАЛАШТИРМОҚ 1 Табақаларга бўлиб юбормоқ, табақаларга ажратмоқ.

2 Маълум белгиларга қараб фарқламоқ, дифференциация қилмоқ. *Табақалаштирилган таълим.*

ТАБАҚАЛИ Табақаси бор, табақаси бўлган (эшик, дераза ва ш. к. ҳақида). *Икки табақали дарвоза.* ▬ *Улар кичкина ҳовлининг бир табақали пастаккина эшигидан кирганларида, айвондаги ўчоқ олдида ўтирган аёл ўрнидан турди-да, ҳовлига юз ўгирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАБАҚАЧИЛИК Жамият табақаларининг ўзига хос белгилари, тартиб-қоидалари ва уларга асосланган ижтимоий муносабатлар.

ТАБДИЛ [*а.* تبديل — ўзгартириш, алмаштириш] *эск. кт.* Ўзгариш, алмашиниш; ўзгартиш, алмаштириш. *-Ҳозир таътил вақти бўлгани учун қишлоқларда табдили ҳаво қилиб юрибмиз, — деди домла.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Табдил этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) Ўзгартирмоқ. *..ўйлаб кўринг, тақдирни табдил этиб бўладими?!* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

ТАБЕЛЧИ 1 Корхона ва муассасаларда ишга келиш-кетишни ҳисобга олиб борувчи, табель юритувчи ходим.

2 *тар.* Колхоз ва совхозларда ишчи ва колхозчиларнинг ишга чиққан-чиқмаганлигини ва қанча, қандай иш бажарганлигини қайд қилиб ва ҳисобга олиб бориш учун тайинланган шахс. *Мен ҳам олдинига табелчи, сўнг секретарь бўлганман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАБЕЛЧИЛИК Табелчи иши, касби. *Табелчилик қилмоқ.*

ТАБЕЛЬ [*нем.* Tabelle — жадвал < *лот.* tabella — кичкина юпқа тахта] **1** *эск.* Бирор нарсани ҳисобга олиш варақаси; жадвал.

2 Ишчи ва хизматчиларнинг ишга келиш ва кетиш вақти қайд қилинадиган махсус дафтар ёки тахта. *Табелларда ёзилса «Рўзибиш кампир», Табелчига хўмрайиб аста қарайди.* Ғ. Ғулом.

3 Мактаб ўқувчиларининг дарсдан улгуришлари (баҳолари) қайд қилиб бориладиган варақ. *Акамнинг табелидаги «хулқ» деб ёзилган графада ҳамма вақт «5» баҳоси бўларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАБИАТ [*а.* طبيعت — борлиқ; табиий хислат; одатийлик] **1** Бутун мавжудотни ўз ичига олган олам, борлиқ. *Табиат зап қизиқ нарса-да. Унда ҳамма нарса мавжуд, ҳамма нарсанинг ўз ўрни, ўз мавқеи бор.* Н. Фозилов, Дийдор. *Табиатнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган, бировдан рухсат ҳам сўраб ўтирмайдиган қонунлари бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кузда табиатнинг жонли ва фаол вакили — одам организми ҳам тинимади.* Газетадан.

2 Инсоният ва ҳайвонотдан ўзга олам. *Табиат билан одам боласи қиёсланса, бирбирига ўхшаши ақлни ҳайратга солади.* Газетадан. *Кетди қирдан турна ҳам, Бўшаб қолди табиат..* А. Орипов, Юртим шамоли. *Табиатда учрайдиган минералларнинг баъзилари саноат аҳамиятига эга.* Газетадан.

3 Ўт-ўлан, ўсимлик ва б. нарсалар банд этган теварак-атроф, қир-адир, ўрмон ва ш.к. лар. *Отабек табиатнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб, бир оз ётгандан кейин, «Ул ҳам бўлса эди», деб ўйлади ва узоқ тин олиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Табиат сокин, уфқ жимирлайди..* А. Мухтор, Чинор. *Табиат ўз тилида роз айтиб шивирлар экан, йигит бундан ўз қувончининг мадҳини ўқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кечаги чангбости ёмғир табиатга ҳусн бериб кетганидек, одамларнинг ҳам баҳридилини очиб юборди.* Н. Фозилов, Дийдор.

4 Ер сатҳининг маълум бир жиҳатини акс эттирувчи белги, хусусият ёки ҳолати. *Бу ернинг гўзал табиати ва зилол сув манбалари одамларга ором бағишлайди.* Газетадан. *«Бобурнома»ни варақлар экансиз.. табиат манзаралари чизилган лавҳаларга дуч келасиз.* «Фан ва турмуш».

5 Инсон руҳиятига хос асосий, турғун хусусиятлар мажмуи; характер, феъл. *-Ўзи жуда оғир ва ақлли йигит, бунинг устига қизиқ табиати ҳам бор, — деди Уста Олим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У* [*Вали ака*] *табиатининг оғирлигига қарамай, ўрнидан сапчиб туриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мирзакаримбойнинг қизи Нуринисонинг табиатида енгиллик билан макр устун турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Доим захда ўтириб ишлаганимданми ёки ўзимнинг табиатимда заифлик борми — ишқилиб, кўп вақтдан бери бедармон тортиб юрибман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Паст табиат Зиқна, қизғанчиқ, хасис. [*Қодирқул:*] *Бу бойнинг табиати шунақа пастми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Сўфи табиат** 1) характери, қилиғи сўфиларникига ўхшаш; 2) кечалари бедор, ухламайдиган. *Томма-том қочиб кетаётганимни баъзи уйқуси зийрак, сўфи табиат қари-қартанглар ҳам кўриб қолган эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола. **Табиати кўтармайди** (*ёки* **тортмайди**) Мижозига тўғри келмайди, кўнгли тортмайди.

6 *кўчма* Нарсага хос бирор белги, хусусият. *Планеталарнинг физик табиати.* ▬ *Туркий тилларда чўзиқ унлиларнинг табиати.. кўпдан мутахассисларнинг диққатини жалб қилиб келади.* «ЎТА».

7 Кайфият, руҳий ҳолат. *Тожибойнинг Гулсумга жазманлиги тўғрисидаги гаплар эсига тушиб, табиати бир оз хира бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аҳмад ўз хонасига кирса, Толиб ака йўқ экан. Унинг табиати равшан эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

8 Дид, фаросат. *Табиати нозик одам. У одамнинг табиатини қарангки..*

Тўқим табиат *қ.* **тўқим.**

9 Яратувчи, ато этувчи, бошқарувчи илоҳий куч-қудрат тимсоли. *Табиат бу диёрга шундай сеҳрли куч ато этганки, унинг тупроғида ҳар қандай ўсимлик баҳра олади.* Газетадан. *Аслида тупроқни одил табиат Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.* А. Орипов, Йиллар армони.

ТАБИАТАН Табиатига кўра, табиатига, мижозига мос ўлароқ. *У киши табиатан хушфеъл одам бўлсалар ҳам.. бирдан тутақиб кетардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ботир йигирма уч ёшларда бўлиб, табиатан шўх, ичида гап сақламайдиган йигит эди.* И. Раҳим, Ихлос. *Қиз болалар табиатан нозик, нафис, латофатлидирлар.* «Саодат».

ТАБИАТЛИ Айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўз англатган маънодаги табиатга эгаликни билдиради (*қ.* **табиат 5)**. *Оғир табиатли одам. Енгил табиатли аёл.* ▬ *Олимов қирқ беш ёшлардаги.. мулойим табиатли.. киши эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Юсуфий мураккаб табиатли одам эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кийинишидан нозик табиатли, баланд дидли эканлиги кўриниб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТАБИАТШУНОС [табиат + *ф.* شناس — ўрганувчи] **1** Табиатни ўрганувчи, текширувчи шахс. *Марҳамат Қудратга, ёш табиатшунослар тўгараги тузишда кўмаклашгин, деган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Табиатшунослик, табиийёт мутахассиси.

ТАБИАТШУНОСЛИК Табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фан, табиийёт.

ТАБИБ [*а.* طبيب — шифокор, даволовчи; врач] **1** *эск.* Беморларни даволовчи мутахассис; врач. *Касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади.* Мақол. *Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган — табиб.* Мақол. ▬ *Бухоройи шарифда Абу Али ибн Сино деган бағоят улуғ табиб ўтган!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тиббиёт илмидан муайян мутахассис тайёрловчи ўқув юртида таълим олмаган, ўз ҳаракати, ҳаётий тажрибаси орқали беморларни даволаш билан шуғулланувчи шахс. *Табиб, қўй жигарини хом кабоб қилиб, бужғун сепиб енг, деган эди.. дарди шифо топмабди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАБИБГАРЧИЛИК *с. т.* Табиблик. *Табибгарчилик қилмоқ.* ▬ *Биз энди табибгарчиликдан хабаримиз йўқ одам.* Ғ. Ғулом. Тирилган мурда.

ТАББЛИК 1 Табобат, беморларни даволаш билан шуғулланиш. *Ибн Ямин табиблик асбобларини, нодир китобларини олиб, Фарғонанинг Аввал қишлоғига йўл олди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Табиб иши, касби. *Ўтар бобо хон саройида қирқ йил хизмат қилиб, табиблик ва сартарошлик туфайли орттирган беш-ўн тангасини.. уй солишга сарфлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАБИБЧИЛИК *с. т.* Табиблик. *Мулла ибн Ямин.. Қўқонда.. табибчилик билан шуғулланган.* «ЎТА».

ТАБИИЁТ [*а.* طبيعيات — табиат ҳодисалари; табиий фанлар] **1** Табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фан; табиатшунослик.

2 Мактабда табиат тўғрисида ўқитиладиган предмет номи. *Табиийётдан «5» баҳо олдим. Табиийёт ўқитувчиси.*

ТАБИИЙ [*а.* طبيعى — табиатга оид, табиатда бўладиган; одатий, меъёрий] **1** Табиатнинг ўзида мавжуд бўлган, инсон таъсири бўлмаган; *зид.* **сунъий**. *Табиий бойликлар. Табиий шароит. Табиий газ.* ▬ *Туз табиий конлардан ва шўр сувлардан олиниши маълум.* «Фан ва турмуш». *Унинг фикрича, сунъий шохлатилган ғўзанинг юзта сунъий кўсагидан кўра шохлатилмаган ғўзанинг ўнта табиий кўсаги афзалроқ — оғир ва пахтасининг толаси узун бўлиши керак эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Иссиққўл соҳилларини табиий шифобахш маскан, дея бежиз айтишмайди.* Газетадан.

2 Табиатнинг ўз асл ҳолати, қонун-қоидалари билан боғлиқ бўлган, боғлиқ ҳолда

юз берадиган. *Табиий танланиш. Табиий ўзгаришлар.* ▬ *«Бобурнома» ни варақлар экансиз, ўрни-ўрни билан табиат манзаралари чизилган лавҳаларга, табиий ҳодисалар тасвирига дуч келасиз.* «Фан ва турмуш». *Бу табиий офат [ер қимирлаши] кишиларнинг иродаси мустаҳкам, бир-бирига мададкор.. эканлигини яна бир бор исботлади.* Газетадан.

Табиий фанлар *эск.* Табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фанлар мажмуи. *Нега ўрта асрларда табиий фанлар жаҳонни ҳайратга соларли даражада тараққий этиб, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино каби алломалар етишиб чиқди?* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Аслида (яратилишида) бор бўлган. *Лабидаги табиий холи ўзига ярашган.* ▬ *Табиий ҳолати бузилмаган тупроқнинг унумдорлиги тупроқнинг табиий унумдорлиги деб аталади.* «Фан ва турмуш».

4 *кесим взф.* Одатга, мантиққа тўғри (келадиган), бўладиган ҳол. *Янги йил арафасида ҳар бир қалбда энг дилбар орзулар ошиб-тошади, бу — табиий.* «Саодат». *Катта иш бажараётганда, одам майда-чуйда камчиликларга йўл қўйиши табиий.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Киши оғир дамларда қадрдон дўстларини ёдга олар экан, юртини қўмсаши табиий.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 *мод. с.* Албатта, ўз-ўзидан, шубҳасиз, аниқ. *Табиий, Хушрўйнинг феълини яхши билган ота-она унинг раъйини олмасдан туриб, бир иш қилмоқдан қўрқардилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сўзамол, бадавлат.. қари тоғанинг бирдан кўз юмиб, сукутга ботишининг сабабини, табиий, Йўлчи тушунмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кеч. Табиий, бу чоқ кишилар ором оғушида.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАБИИЙЛИК Табиий ҳолат, шундай ҳолатга эгалик. *Табассумнинг табиийлиги.* ▬ [*Кумуш*] *Латиф бурни ёнидаги қора холининг табиийлигига ишонмагандек қашиб кўрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дадамат аканинг бутун вужудидан қатъият, табиийлик ва самимият уфуриб турарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАБЛ [*а.* طبل — катта ноғора; довул] *тар.* Ноғора; тери қоплаб ишланган ва уриб чалинадиган махсус чолғу. *Бу сукунатни фақат миршабларнинг онда-сонда дап-даплаб чалинадиган табл садоси бузар.. эди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТАБЛА [*а.* طبله — осма қулф; қути] **1** *шв.* Отлар турадиган оғилхона. *Шохдорхоннинг саксон таблада бедов оти бор эди.* «Гўрўғли».

2 *айн.* **табл.**

ТАБЛЕТКА [*фр.* tablette — кулча] Бўлакларга бўлинган, тугмачасимон қаттиқ дори. *Хинин таблеткаси. Таблетка ютмоқ.*

ТАБЛИЦА [*пол.* tablica < *лот.* tabula — тахта; жадвал] Графаларга батартиб қилиб жойлаштирилган ва рақамларда ифодаланган маълумот; жадвал. *Математик таблицалар. Таблица тузмоқ.*

ТАБЛО [*фр.* tableau — сурат, тасвир, картина; эълонлар тахтаси] Текшириш объектининг аҳволи ёки мусобақанинг бориши ва натижалари, тижорат хабарлари ва эълонлари ёзиб кўрсатиб туриладиган сигнал тахтаси. *Темир йўл таблоси.* ▬ *Куйиб-пишиб дарвозага ким тўп киритди-ю, қайси анқов дарвозабон ўз дарвозасига келган тўпни ушлолмай қолди — буларнинг ҳаммасини.. табло ҳисобга олиб туради.* Ғ. Маҳкамов, Табло қиссаси.

ТАБОБАТ [*а.* طبابت — шифокорлик касби, табиблик; даволаш] Тиббиёт (асосан, шарқ халқ тиббиётига нисбатан ишлатилади). *Нонушта пировард бўлгунча, домла шарқ табобати ва унинг машҳур кишилари тўғрисида сўзлади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Халқ табобатида азалдан ялпиздан турли-туман касалликларни даволашда фойдаланиб келинган.* Газетадан. *Ҳусайн бўш вақтларида.. баъзан табобатга доир китобларни мутолаа қилар эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Байталнинг устидаги хуржуннинг икки кўзи табобат анжомлари билан тўлган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАБОБАТХОНА *эск.* Шифохона, касалхона.

ТАБОБАТЧИЛИК *кам қўлл.* Табобат, тиббиёт ишлари. *Исириқ қадим замонлардан бери турли халқлар табобатчилигида ишлатилиб келган.* «Фан ва турмуш». *Ўтмишда халқимиз табобатчиликда кўпгина турли гиёҳлар, дори-дармонлар ишлатганлар.* А. Раҳимжонов, Бош оғриқ.

ТАБОР [*ф.* تبار — қариндош, авлод; насл-насаб]: **хешу табор** *қ.* **хеш.**

ТАБОРАК [*а.* تبارك — дуо, фотиҳа олиш] Қуръондаги суралардан бирининг номи. *Йиғлаб уйга кирарканман, бувим мени қучоқ-*

лаб қарши олди: -Йиғлама, болам, таборакни ўқи, — дейди елкамни қоқиб. Ойбек, Болалик.

ТАБОҚ *айн.* **табақ.**

ТАБРИЗ [*ф.* تبريز — Эрондаги шаҳар — Табриз номидан] Ўзбекистонда ўсадиган узум навларидан бири ва шу узумдан тайёрланган майиз.

ТАБРИК [*а.* تبريك — бахт, омад, эзгулик тилаш; қутлаш] Бирор яхши (қутлуғ) кун, сана ёки эришилган ютуқ, яхшилик муносабати билан билдириладиган қутлов сўзлари; муборакбод. *Меҳмонлар билан вакилларнинг қизғин табриклари, хайрли тилакларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Юзлари қувончдан қизарган Обид Йўлдошевич табрикларга паст товуш билан раҳмат айтарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан анча ўнғайсизланган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Табрик қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) *қ.* **табрикламоқ.** *Анвар ўзини табрик қилувчи уламо ва ашрафлар юзидан очиқ равишда риё, шайтанат ва тамаъ ўқир, камбағаллардан содда самимият кўрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мулла Абдураҳмон.. Анварни табрик этиш учун оғиз очишга қодир эмас ва ҳар замон қаршисидаги «бемаъни»га қараб қўяр эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАБРИКЛАМОҚ Табрик айтмоқ; муборакбод қилмоқ, қутлов сўзларини айтмоқ. *Набижон биринчи давлат имтиҳонини топширган куни Муборак уни катта гулдаста олиб келиб табриклади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Зиё шоҳичи.. қутидорни Отабекдек бир йигитни куёв қилиш билан табриклади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эшикдан кира солиб.. баланд овозда Аҳмадни табриклади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАБРИКНОМА [табрик + нома] Табрик сўзлари ёзилган мактуб, табрик хати. *Табрикнома йўлламоқ. Табрикномани ўқиб бермоқ.* ▬ *Мен ҳам таниш-нотаниш дўстларимдан янги йил табрикномаларини олаётирман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАБУ [*полинезча* tapu — тақиқлаш] Диний эътиқод, ирим, қўрқиш ва ш.к. таъсирида маълум сўз, ҳаракат кабилардан тийилиш, уларни чеклаш, ман этиш; ишлатилиши, қўлланиши чекланган, ман этилган сўз, нарса, ҳаракатнинг ўзи (Мас., *чаён* сўзини қўлламай, унинг ўрнида *эшак, оти йўқ* сўзларини ишлатиш). *Жамоа йўлбошчилари ва коҳинлар ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаш йўлида табу одатидан фойдаландилар.* «Фан ва турмуш».

ТАБУРЕТ(КА) [*нем.* Taburett < *фр.* tabouret] Суянчиғи бўлмаган, квадрат ёки гардиш шаклидаги ўриндиқ; курси. *Матқовул ака борди-ю, Ғуломжон тутган табуреткага ўтирмади, қўлларини қовуштириб иззат сақлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уйнинг бутун жиҳози: тахта каравоту оддий бир стол билан иккита табуретка ва ерда эски намат тўшоғлиқ, холос.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАБЪ I [*а.* طبع — табиат, табиий ҳолат; хислат] *эск. кт. айн.* **таъб.**

ТАБЪ II [*а.* طبع — нашр этиш, босиб чиқариш]: **табъ этмоқ** *эск.* Нашр этмоқ, босмахонада босмоқ ёки бостирмоқ, чоп қилмоқ.

ТАВАЖЖУҲ [*а.* توجّه — бирор кишига мурожаат қилиш, юзланиш; бирор томонга юриш, жўнаб кетиш] **1** Хайрихоҳлик билан юзланиш, қараш. *У Ғуломжонни шу вақтгача танимагани учун афсус еяр, ошкор бир таважжуҳ билан унга қараб-қараб қўяр эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Диққат-эътибор. *У* [*Самарқанд*] *ўзининг тарихий обидалари билан ярқираб, бутун ер юзи халқларининг таважжуҳини ўзига тортиб туради.* Ғ. Ғулом, Самарқанд сайқали. *Шоҳистанинг отаси, уйга қайтиш ҳақида сўз очгандан кейин, бошлиқлар таважжуҳидан қолади.* «Саодат».

3 *дин.* Худога ёлвориш, илтижо. *Эшон ҳол-аҳвол сўраганда, ҳожи ўрнидан туриб, таъзим қилди: -Худога шукур, дуою таважжуҳларининг шарофатидан соғ-саломатман.* С. Айний, Дохунда. *Изингда термилиб қолди кекса чол, Кўзда таважжуҳи, дуоси тилда.* А. Орипов.

ТАВАККАЛ [*а.* توكّل — ваколат олиш; умид боғлаш; суяниш, ишониш] **1** Оқибат-натижа қандай бўлишидан қатъи назар, бирор ишга жазм қилиш, нима бўлса бўлар, ё остидан, ё устидан зайлида қилинган ҳаракат. *Йўқ, ўртоқ Низомов, биз таваккал қилолмаймиз. Таваккалнинг туби тош, бошингни урсанг — ёрилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Баъзан жони ҳалқумига келиб, ўзини нималарга урмади, неча марта қалтис таваккалларга борди, неча марта пачағи*

чиқиб, яна тикланиб олди. А. Мухтор, Опасингиллар.

2 *дин.* Ўзини Аллоҳ иродасига топшириш, бутун умидни унга боғлаш, унинг марҳаматига ишониш. *Кўргиликдан, таваккалдан, тақдирдан воз кечиб, халқ реал нарсаларга аҳамият берадиган бўлди.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Таваккалчилик билан иш тутишни билдирувчи, шундай ҳолларда қўлланувчи сўз. *Биридан қочсанг, бошқасига тутиласан. Ундан кўра қочмаймиз! Таваккал. Пешонага битгани бўлур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Унга ташланиб, қутичани олиб қўйсаммикан? Кучим етармикан?! Таваккал!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

Таваккал қилмоқ Таваккал тарзида иш қилмоқ, бирор ишга жазм этмоқ. *Инсон қадами камдан-кам тегадиган бу ёввойи водийда таваккал қилиб йўл босишдан бўлак илож қолмади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Собир бирон марта ҳамсуҳбат бўлмаган.. Одил бувага, таваккал қилиб, юрак дардини очишга жазм қилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ТАВАККАЛЧИ Таваккалига, таваккал билан иш қилувчи. *Уйчи уйига етгунча, таваккалчи ишини битирар.* Мақол. ▬ *..ҳаммаси мол-дунё излаб чиққан таваккалчи бўйдоқлар бўлса керак-да.* А. Мухтор, Чинор.

ТАВАККАЛЧИЛИК Таваккал билан иш тутишлик, таваккал иш. *Билимсиз, тажрибасиз болаларни, менинг қаршилигимга қарамай, қалтис таваккалчиликка бошлаган сиз эмасми эдингиз?* А. Мухтор, Туғилиш. *Буюк ишларнинг кўпчилиги таваккалчилик билан қўлга кирган, буни инкор қилиб бўлмайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТАВАЛЛО [*а.* تولّا – амал, мансабга эга бўлиш; бирор ҳис-туйғуга берилиш; дўст бўлишга интилиш] *эск.* Ёлвориш, ялиниб сўраш, илтижо. *Иброҳимбек, Пўлатхўжаевнинг хитобу таваллоларини эшитмаган каби, ўтга «исиниб» ўтирар эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

Таваллo қилмоқ Ёлвормоқ, илтижо қилмоқ. *Даҳонинг онаси кўзига ёш олиб тавалло қилди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Халил бобо.. «Кечир, гумроҳ дўстингни кечир!..» дея тавалло қилганида, ҳеч ким оғиз очмади.* «Ёшлик».

ТАВАЛЛУД [*а.* تولّد – пайдо бўлиш, дунёга келиш; туғилиш] *эск.* Туғилиш, дунёга келиш. *Навоий таваллудининг 500 йиллиги.* ▬ *Ҳар умрнинг икки куни бор: Бири ўлим, бири таваллуд.* М. Шайхзода.

Таваллуд топмоқ Туғилмоқ, дунёга келмоқ. *Таваллуд топган чақалоқнинг биринчи эҳтиёжи пахтага бўлади.* Ҳ. Нуъмон, Чаноқ. *Ибн Сино ҳазратлари Бухоройи шарифда таваллуд топганлар.* О. Ёқубов, Қўҳна дунё.

ТАВАН [*а.* توان / تاوان – жарима; зарарни қоплаш] *этн.* Хотинлар тўйга олиб келадиган мева ва кийимликлардан иборат тортиқ; туҳфа. *Бунча хотин, бунча бола-чақа, бунча таван қаерга сиғади?* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАВАНБОШИ *этн.* Таванларни қабул қилиб олиш, меҳмонларга патнис тузаш учун таванхонага бош қилиб қўйилган аёл. *Бозорқулнинг онаси жуда чиройли хотин эди, тўй-ҳашамда таванбоши бўлиб ўлиб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

ТАВАНХОНА *этн.* Тўй ва зиёфатларда меҳмонларга патнис тузаладиган, совға-саломлар, тўёналар, таванлар қабул қилиб олинадиган хона. *Тўёналар таванхонага уйиб қўйилмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ўғлим, таванхонадагиларга «Бу – Хадича холамнинг саватлари, эҳтиёт қиларкансизлар», дегин..* Т. Алимов, Совға.

ТАВАНЧИ 1 *қ.* **таванбоши.**

2 *тар.* Тўй ва зиёфатларда меҳмонларга хизмат кўрсатувчи ходим. *Таванчилар оёқ учи билан юриб, чаққонлик билан дастурхон ёздилар.* Ойбек, Навоий.

ТАВАҚА *с. т. айн.* **табақа 1.** *Дарвозанинг бир тавақаси очиқ.* ▬ *Кўп ўтмай, дарвоза тавақасидаги эшик очилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Муқаддам бир тавақаси очилган дераза олдида эрига ачиниб қараб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТАВАҚАЛИ *с. т.* Табақали. *Афанди эшик бозоридан ўтаётиб, икки тавақали эшикни кўтариб қолди.* «Латифалар».

ТАВАҚҚУФ [*а.* توقّف – тўхташ, тек туриш; бировга қарамлик; журъатсизлик] *эск. кт.* Тўхташ, сабр қилиш. *Йўқ, тавaққуф қилинг.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТАВАҲҲУМ [*а.* توهّم – хаёл қилиш, тасаввур этиш; тахмин қилиш, шубҳаланиш; ваҳимага тушиш] *эск. кт.* Ваҳимага тушиш, қўрқиш, қўрқув.

Таваҳҳум қилмоқ (*ёки* **тортмоқ).** Ваҳимага тушмоқ, қўрқмоқ.

ТАВБА [*а.* توبه – айбига иқрор бўлиш; гуноҳлари учун кечирим сўраб ёлвориш] **1** Қилмишидан таъзир еб ёки пушаймон бўлиб, уни қайтармаслик учун қилинган азм-қарор, берилган ваъда ёки қилмиши учун сўралган узр. *Менинг тавбамни лоақал ўзларингиз учун қабул қилингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аммо халқ бундай ёлворишларга, тавба, тазарруларга қулоқ солмади, чунки иш ўтган, ғишт қолипдан кўчган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *унд. с.* Таажжубланиш, ҳайронликни билдиради. *Тавба, одам яқин кишисидаги камчиликни кўрмас эканми, деб қўйдим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Ўз уйида ўтирган қиз бир кечада йўқ бўлсин, тавба!* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор ғайритабиий нарса, ҳодиса олдида истиғфор айтиш, худодан кечирим сўраш маъносида қўлланади. *Ҳадеб: «Ўзинг кечир», «тавба», «астағфирулло» деяверасиза..* «Гулдаста». *Тавба денг, болам, бўйдоқсиз, яна шундай таннозлардан бирига учраб..* «Гулдаста». *Худоё тавба, денглар, икки дунёда эшитмайлик!* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *дин.* Тасаввуфда: соликнинг тариқат сари қадам қўйишидан олдин қилган барча гуноҳларидан тавба қилиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қасддан қилмасликка азму қарор қилиши.

Тавба қилмоқ Тавбани билдирувчи сўзларни, шунингдек, «тавба» сўзининг ўзини айтмоқ. *Э худо, тавба қилдим! Осий бандангни ўзинг кечир!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Собирнинг қиёфасида танбеҳ еб, тавба қилиш эмас, ўз истагидан қайтмаслик ҳисси барқарор эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қарол, хизматкор бўлиб ишлашга тавба қилдим, киши бир марта алданади-да.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тавбасига таянмоқ** Қилмишидан ниҳоятда пушаймон ҳолатда, таъзирини еган ҳолатда бўлмоқ, шундай ҳолатга тушмоқ. *Балки ўзи инсофга келгандир, тавбасига таянгандир..* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *-Хўп, кетаман. Лекин билиб қўйинг.. пушаймон ейсиз, тавбангизга таяниб қоласиз, – деди Анвар.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ТАВБА-ТАЗАРРУ [тавба + тазарру] Қилмиши учун астойдил кечирим сўраш; қилмишига ўкиниб, иқрор бўлиб, ялиниб сўралган узр.

Тавба-тазарру қилмоқ Ялиниб-ёлвориб узр айтмоқ. *Икки марта масаласи кўрилганда, тавба-тазарру қилгани эсингиздан чиқдими, Бонухон?* С. Кароматов, Ҳижрон. [*Жонфиғон*] *Хотинига неча-неча тавба-тазаррулар қилиб, энди бирор жойга кириб ишлашга, астойдил ишлашга сўз берибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

ТАВИР *фольк.* Диккакдан кичик, узун сочоқли, эгар остида икки ёққа ёйиб ташланадиган от абзали.

ТАВКАР Тўрт ошиқ ташлаб ўйналадиган қимор ва унда қатнашувчи қиморбозлар давраси. *Бошладилар ошдан сўнг Зўр тавкар – қимор. Қаршилик йўқ бу ишга, Улфат аҳли ёр.* «Фольклор».

ТАВКАРГИР *эск.* Қиморда ютуқдан чўтал олувчи; чўталчи. *Охири Абдураҳмон чойхонанишин, тавкаргир ва бобойи банглар орасида ўзига замин топди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАВЛА *шв.* Чўлларда қўниб ўтиш учун ишланган қурилма, уй, бостирма.

ТАВОЗЕ [*а.* تواضع – ўзини паст тутиш, камтарлик; тил бириктириш, келишув] Ўзини хоксор, одоб билан тутиш; хоксорлик, камтарлик. *Гулбаҳор унга* [*аёлга*] *аввал тавозе билан эгилиб салом берди, кейин бориб, елкасини тутиб кўришди.* С. Зуннунова, Гулбаҳор. *Таъзим этган каби, қўлларини тавозе билан кўксига қўйди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Инсон илми, одоби, тавозеси билан ёқимли бўлиб, меҳнати билан шарафланади.* Газетадан.

Тавозе кўрсатмоқ Ўзини камтар, тавозели тутмоқ, шундай муносабатда бўлмоқ. *Меъморга тавозе кўрсатиб, бетоб бўлгани ва бунинг устига «амирзода пулни камроқ бераётгани»ни айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Муфти Мажидбекни ҳурмат қилса-да, Алига ўхшаб, унга унча тавозе кўрсатмади.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТАВОЗЕЛАНМОҚ Тавозе билдирмоқ, тавозе кўрсатмоқ. *-Худога шукур, давлатлари кўланкасида, – деб қўрбоши тавозеланди ва қўл қовуштириб, қушбегининг яқинига чўккалади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАВОЗЕЛИ Кишиларга тавозе билан муомала қилувчи, хоксор, камтар. *Бу* [*Дарвешали*] *ўқимишли, тавозели одам бўлса ҳам, кўп жиҳатларидан акасига ўшамасди.* Ойбек, Навоий. *У* [*Сафар чўтир*] *аввалгидан*

мулойим, тавозели, ювош эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

ТАВОН [*ф.* توان – қудрат, қувват] *эск. кт.* Қувват, куч-қудрат, чидам. *Қолган умримни, Ҳабибий, сарф этай мадҳинг билан Ақлу ҳушу қудрату тобу тавоним борича.* Ҳабибий.

ТАВОНГАР [*ф.* توانگر – бой, бадавлат; қодир, қудратли] *эск.* Бадавлат, давлатманд, серпул, бой. *Тавонгар фақирни кўп дуо қилди ва дедики, бир масжид солурман, анинг савоби сенгадир..* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

ТАВОНО [*ф.* توانا – кучли, қодир] *эск. кт.* Забардаст, жисмонан бақувват, соғлом. *Бу одамнинг сену мендек қўлидан иш келадиган тавоно ўғиллари бор.* С. Абдулла, Соялар.

ТАВОФ [*а.* طواف – (бирор нарсанинг) атрофида юриш, айланиш] *дин.* Ҳаж ва умра маросимлари таркибига кирувчи, Каъба атрофида айланишдан иборат жараён (умра қилувчилар бир марта, ҳажга келганлар 3 марта тавоф амалини адо этадилар).

Тавоф қилмоқ 1) *дин.* муқаддас, табаррук деб ҳисобланган кимса, нарса, жой атрофини зиёрат қилмоқ. *Мақсуд чой келтиради. Азизбойнинг имоси билан ярим сажда қилган ҳолатда эшонни тавоф қилади.* Н. Сафаров, Шарқ тонги; 2) *кўчма* муқаддас, азиз санаб эъзозламоқ, кўзга суртмоқ. *Изларини қилсам тавоф.* «Равшан». *Ниҳоят, ноибнинг муҳрини чўнтагидан олди-да.. орзусига эришганлиги аломати сифатида уни тавоф қилди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ТАВОЧИ [*мўғ.* تواچی – ҳисобчи] *тар.* 13–19-асрларда Ўрта Осиё ва Эронда: ҳукмдорнинг фармон ва топшириқларини тегишли жойларга зудлик билан етказувчи олий ҳарбий мансабдор.

ТАВР I [*р.* тавро < *т.* тўғро] Ҳайвонларнинг териси, шохи ёки туёғига куйдириб қўйиладиган белги, тамға. *Тавр босмоқ.*

ТАВР II [*а.* طور – босқич; ҳолат, аҳвол; сурат, ҳол, тарз, йўсин; одат, қилиқ, юриш-туриш] **1** *шв. рвш.* Сингари, каби; хилда, тарзда. *Қуёшнинг бу тавр ботишини.. фақат Жилвон чўлидагина кўрасиз.* Н. Юсуфий, Саидон достони.

2 *шв.* Ҳол, аҳвол. *Товмирилар қўймади ўз тавримa, Эмранганда қонлар кетди бағрима.* «Ширин билан Шакар».

ТАВРИДА *кам қўлл.* Аслида, зотида; азалдан. *Лақаб бўлди Навоий, исми Алишер. Билим майдонида эрлар аро эр.. Бўлиб таврида олимлик нишони, Билимли, нуктадонлар нуктадони.* Ҳабибий.

ТАВРОТ [*а.* تورات < *яҳ.* Тора – қонун] Яҳудий динининг муқаддас китоби; Ислом ақидасига кўра, Аллоҳ томонидан Жаброил орқали Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган илоҳий китоб. *Тавротда афсона: бир олма учун Жаннатдан бадарға бўлганмиш одам.* Ғ. Ғулом.

ТАВСИФ [*а.* توصیف – муфассал таъриф, баҳо; сифатлаш, мақташ] **1** Сифат; сифатлар. *Эсизки, мен у кампирнинг таъбир ва тавсифларини эсимдан чиқарганман.* С. Айний, Эсдаликлар. *Мен отахон тавсифи тўғрисида тўла тасаввурга эга эдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Сифат-белгиларнинг баёни, таърифи, тасвири. *Шаҳарнинг тавсифи.* ▬ *Таърифинг, тавсифинг тушмагай тилдан.* Уйғун, Ҳаёт чақиради. *Холбеканинг тавсифини, ҳусну зеболигини эшитган подшоҳлар ва хонзодалар ҳар мамлакатдан, ҳар юртдан, ҳар диёрдан совчи қўяберди.* «Кунтуғмиш». *Тавсифингга мен шуъладин қалам йўнайин.* Э. Воҳидов, Шодиёна.

Тавсиф қилмоқ *айн.* **тавсифламоқ**. *Бирбирига қилар таассуф, Қилиб бўлмас уларни тавсиф.* «Гулихиромон».

ТАВСИФИЙ Таъриф-тавсифга оид, тавсифлаш тарзидаги. *Унинг ўзбек шевалари бўйича олиб борган тавсифий ишлари жуда аниқ бўлиши билан ажралиб туради..* «ЎТА».

ТАВСИФЛАМОҚ Тавсифини бермоқ, қайд этмоқ, баён этмоқ; таърифламоқ. *Ёзма адабиётда маънодор кулги, йўтал, юз-кўз ифодаси, қўл ҳаракатлари кенг ёритилади ва тавсифланади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Моҳидил.. ёнма-ён, бидиллаганича воқеани тавсифлаб келаётган қизнинг гапларини аранг илиб оларди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТАВСИФНОМА [тавсиф + нома] Бирор кишига оид маълумотлар, унинг сифатлари қайд этилган ҳужжат, ёзма тавсиф. *Мана тавсифномангиз, энди бошқа ишга ўтсангиз.* С. Абдуқаҳҳор, Бетга айтганнинг заҳри йўқ.

ТАВСИЯ [*а.* توصیه – васият бўйича топшириш; тавсия, маслаҳат бериш, таништириш] **1** Бирор иш, лавозим, ўқиш ва ш.к. га лойиқ кўриб тақдим этиш, шундай маз-

мунли тақдимнома. *Йирик мутахассиснинг тавсияси билан ишга олмоқ.* ▬ *Тавсия беришдан олдин.. тавсия берилувчининг барча фазилатларини тарозига солиб туриб, ўз фикрини айтади.* Газетадан.

2 Маслаҳат, кўрсатма. *Врачнинг тавсияси билан даво олмоқ.* ▬ *Ибодовнинг тавсияси билан хатни таржима қила оладиган кишининг уйига борди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

3 Фойдаланиш, амалга ошириш учун белгиланган кўрсатма, йўл-йўриқ. *Саноат ва қурилиш соҳаларига доир бир қатор илмий тавсиялар ишлаб чиқаришга топширилди.* Газетадан. *Хусусан, узумчиликда тўпланган материаллар асосида илғор тавсиялар ишлаб чиқилди.* «Фан ва турмуш».

Тавсия қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Маъқул (лойиқ) билиб тақдим қилмоқ, маслаҳат, кўрсатма бермоқ. *..одобли, билимдон йигит, — деди кулиб, тавсия қилаётган муаллимнинг фазилатларидан завқланган кишидек.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Сизни бўлим мудирлигига тавсия этмоқчиман.* «Ёшлик». *Тез-тез шамоллаб турувчиларга олдин уйда пайпоқда, кейин яланг оёқ юриш тавсия этилади.* «Фан ва турмуш».

ТАВСИЯНОМА [тавсия + нома] Ёзма тавсия, маслаҳат (расмий ҳужжат турларидан бири). *Унинг* [*Пўлатжоннинг*] *партияга ўтиши учун генерал Собир Раҳимов тавсиянома ёзди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТАВТОЛОГИК Тавтологияга оид, тавтологиядан иборат бўлган. *Тавтологик ибора.*

ТАВТОЛОГИЯ [*юн.* tauto — айнан ўзи, ўша + logos — сўз] Бир фикрни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран, ортиқча ифодалаш, бир сўзни ортиқ такрорлаш. *Айрим ҳолларда ана шундай такрорнинг бири ҳеч қандай функцияни бажармайди, натижада бундай плеоназм тавтологияга айланади.* «ЎТА».

ТАВФИҚ [*а.* توفيق — мувофиқлаш(тириш); яраштириш, келиштириш; ёрдам, мадад; бахт, омад] **1** *дин.* Тўғри йўлга бошловчи дин йўл-йўриқлари, инсоф, диёнат; эътиқод. *Бу гуноҳкор ўғилга ўзинг тавфиқ бер ва мен қулингни кечир.* Ойбек, Нур қидириб. *Жаноб Хўжа Яҳё молу дунёга ҳирс қўйиб, тавфиқни унутган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Ножўя иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. дан ўзини тийиш. *-Золимларга инсоф, тавфиқ берсин! — деди бувим кўзларига ёш олиб.* Ойбек, Болалик.

Тавфиққа келмоқ Инсофга келмоқ, яхши йўлга кирмоқ, ёмон (номақбул) иш, хатти-ҳаракатлардан тийилмоқ. *-У вақт, — деди Шодим, — бизни шайтон йўлдан чиқарган эди. Энди тавфиққа келдик.* С. Айний, Қуллар.

ТАВФИҚЛИ 1 *дин.* Дин йўл-йўриқларини бажарувчи, диёнатли, эътиқодли; солиҳ.

2 *кўчма* Ножўя иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. дан ҳазар қилувчи; инсофли, мўмин, солиҳ.

ТАВФИҚСИЗ *қ.* **бетавфиқ.**

ТАВҚ [*а.* طوق — бўйинга тақиладиган маржон; бўйин, ёқа; бўйинбоғ; ҳалқа]: **тавқи лаънат** 1) *тар.* жазо тариқасида гуноҳкорнинг бўйнига кийгизиб, қулфлаб қўйиладиган кунда; 2) *кўчма* бошга тушган (гарданга илинган) катта ташвиш; дардисар, ёмонлик. *У* [*Қўчқор*] *Муҳаббатга уйланаётганида, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этган, болалигидан бўйнига тавқи лаънат бўлиб илинган бахтсизлик ниҳоят унутилиб кетадиган бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Наҳотки, бундай бадномликлар одам боласининг манглайига тавқи лаънатдек тоабад муҳрлаб қўйилган бўлса?* С. Сиёев, Аваз.

ТАВҲИД [*а.* توحيد — бирикиш, қўшилиш, бирлашиш, яхлитланиш] *дин.* **1** Аллоҳнинг яккаю ягоналигига эътиқод қилиш, Аллоҳга ширк келтиришнинг барча кўринишларидан воз кечиш.

2 Тасаввуфнинг бешинчи босқичи: Ҳақиқат билан уйғунлашиш, инсон руҳининг Аллоҳ томон юксалиши.

ТАГ [*ф.* تک < ته — ост, туб; остки қисм] **1** Нарсанинг остки, пастки қисми, туби. *Пақирнинг таги тешилибди. Туфлининг таги лой бўлибди.* ▬ *Қўғазордаги водокачка тикланадиган бўлса, таги билан қўпориб ташлаймиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Бирор ҳолатда бўлган, жойлашган нарсанинг ост томони, пастки томон (ер, бўшлиқ ёки бошқа нарса). *Столнинг тагига бекинмоқ.* ▬ *Тўғон тагидан ўтган сув шалоласи канални тешиб юбориши ёки қирғоқларни ўпириб кетиши мумкин.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кўкрагини баланд тутди-да, яктак чўнта-*

гидан носини олиб, бир чимдимини тил тагига ташлади. Ойдин, Ҳикоялар.

3 Тик ҳолатли нарсаларнинг ост қисми атрофи, ён-беридаги ер сатҳи. *Доим девор тагида турадиган стол икки каравот ўртасига олинган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кун тиккага келгунча тўхтамай юриб, тик чўққининг шундоқ тагига келдик.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

4 Нарса ёки шахснинг бошқа бир нарса, сатҳ ва ш.к. га тегиб, ўрнаб турган томони; ост. *Кўрпачанинг таги. Хат стол устидаги китобнинг тагида.* ▬ *Мактубни ўқиб, ёстиқ тагига қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *У бир оз олдинда, тагидаги саман йўрғанинг бир текис юришига мос сал чайқалиб, хаёлга чўмиб ўтирипти.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

5 Нарсанинг ўз сиртига қарама-қарши бўлган томони; ич. *Домла ер остидан паранжи тагида жилпанглаб турган шўх аяга бир боқди-да, никоҳ хутбасини бошлаб юборди.* «Муштум». *Пиджагининг тагидан кийилган оқ садаф тугмали рангдор, катак кўйлак арзон костюмга жуда мос келган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

6 Ер, сув кабиларнинг ост, ич томони; ост, ич. *Билмадим, кўкка учдими, ер тагига кирдими..* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Асли, зоти (ота-боболари), келиб чиқиши. *Тагимиз камбағал. Отамизнинг касби ҳаммоллик эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У ҳам таги кўрган оиладан чиққан.* Мирмуҳсин, Умид. *Менинг отим — Олим. Таги Чорвоқликман.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

8 Замир; асос. *Аҳмад.. бунинг тагида бир гап борлигини пайқади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Элмурод қассобнинг «сиёсат» тўғрисидаги саволи тагида унинг ўз ғарази ва ташвиши ётганини пайқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

9 Охир-оқибат, натижа. *Сабр таги — сар(иқ) олтин.* Мақол. ▬ *Меҳнат таги — роҳат, деган қадимгилар.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Устод Қавом бу ишнинг таги ёмонлигини.. биларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

10 (*3-ш. эгалик қўшимчаси билан* — **таги**) Нарсанинг муайян ҳолати, миқдори [*кўп* ёки *оз (кам)* сўзи билан қўлланади]. *Кейин бирини илитиб, бирини пишириб еб, иккисини чўнтагига солиб кетди. Таги кўп бўлса ҳам кошки эди.* «Муштум». *Ўғлим, бу икки отга ярашиқли нарсаларнинг ҳам таги камдир.* «Эрали ва Шерали».

Бурни (*ёки* **тумшуғи) тагида** Шундоққина олдида, ёнгинасида. *Бурнимизнинг тагида экан-у бу лаънатилар, яна қидириб юрибмиз.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Поезддан тушгандан кейин шундай тумшуғимиз тагида экансан-ку, биз бўлсак қаёқларга бориб юрибмиз.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Дўппининг тагида одам бор** *қ.* **дўппи. Ер тагидан қарамоқ** Бошни қуйи солган ҳолда қарамоқ (кўз ташламоқ). *Бу гап Бадиага ер тагидан қараётган Зулфиқор Шоший устидан гўё совуқ сув қуйгандек бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Кўз тагига олмоқ** Эришиш (ўзиники қилиш) учун мўлжаллаб қўймоқ. *Кўз тагига олиб қўйганинг борми ўзи?* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Олдин институтни битирай, кейин ўзим мўлжаллаб, кўз тагига олиб юрган қиз бор.* «Муштум». **Таги зил** Оқибати яхши бўлмаган; ишончсиз; ҳалокатли. *Ҳазилнинг таги зил.* ▬ *Муҳаммад Арғуннинг таги зил маълумотлари Шоҳруҳни ҳам, Улуғбекни ҳам оёққа турғазди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Таги очилди** Нима эканлиги, мазмуни, моҳияти маълум бўлди. *Энди таги очилди. Нима демоқчисан?* Ҳамза, Танланган асарлар. **Таги паст** *қ.* **паст**. *Отасини кўндирамиз, унинг таги паст, жазоси пул-да..* Ж. Шарипов, Хоразм. **Тагига етмоқ** 1) иш-ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. нинг моҳиятини англамоқ, билмоқ, асл моҳиятини билмоқ, сирини очмоқ. *Ботирали одамлар оғзидаги миш-мишларнинг тагига етишни истарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳақиқатнинг тагига етгунча орада ноқулай гаплар бўлиб ўтди.* Газетадан. *Маҳкам ака гапнинг тагига энди етди, кулиб юборишига сал қолди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон; 2) йўқ қилмоқ. *Ўғлим Ҳамзанинг ҳам тагига етиб, оз қолди мени доғда қўйиб кетишига.* К. Яшин, Ҳамза. **Тагига** (*ёки* **тагини) олдирмоқ** Тагини куйдириб, ўта қовуриб қўймоқ. *Бизни кутаверишиб, ошини тагига олдирибди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *..шолини сочмасдан туёлмайди, сув қайнатса ҳам, тагига олдириб қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тагига сув кетди** Фаолияти барҳам топди, йўқликка юз тутди, тамом бўлди. *Ўртада ҳар хил меросхўрлар кўпайди. Бойликнинг тагига сув кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У кунлар Назирқул учун энг бахтиёр кунлар эди. Ўшандай бе-*

озор кунларнинг тагига сув кетди. С. Аҳмад, Ҳукм. **Тагида қолмоқ** Бирор нарсага катта миқдорда эга бўлмоқ. *Дуонинг тагида қолмоқ. Бойликнинг тагида қолмоқ.*

ТАГДОР [*ф.* تكدار – таги, насл-насаби бор; бирон асосга эга] **1** Насл-насаби, зоти яхши; асилзода. *Бу бир хил асил, тагдор хонзодами, деб ўрнидан туриб.. бир сўз айтади.* «Равшан».

2 Тагли маънога эга, замирида (тагида) махсус маъно бўлган. *Бечора йигит тагдор гапга тушунмай анграйиб қолди.* С. Сиёев, Аваз. *Дилшод тагдор қилиб кулди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Афандининг тагдор ишорасига қойил қолган шоҳ шу заҳоти унга сарупо кийдиришни буюрди.* «Муштум».

ТАГДЎЗИ [таг + *ф.* دوزى – тикиш; тикилган] Таги бир рангдаги ипак билан сидирғасига тўлдирилган, у ер-бу ерига гул тикилган (дўппи ҳақида). *Унинг бошида яп-янги тагдўзи дўппи.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАГЗАМИН [таг + замин] *кам қўлл.* Пойдевор, фундамент. *Баланд бетон тагзамин устига ғиштдан қурилган, узун пешайвони шарққа қараган беш-олти хонали уй.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ТАГЛИ 1 Таги, туби бор. *..оёғида қора чарм тагли оқ пийма-этик.* «Муштум».

2 *айн.* **тагдор.** *Тагли одам.*

ТАГЛИ-ЖОЙЛИ Насл-насаби яхши ва ўз жойи, етарли мол-мулкига эга. *Тагли-жойли одамлар-да, супага бир гилам солиб қўйипти, нах икки ёғидан уч қаричдан тушиб ётипти..* «Муштум».

ТАГЛИК 1 Бирор буюмнинг тагини, ост қисмини ясаш учун боп материал.

2 Нарсанинг тагига қўйиш учун ишланган қурилма, мослама. *Куркаларни суғоришда.. рухланган челаклардан фойдаланилади, челак ёғоч тагликка қўйилади.* «Ўзбекистон паррандачилиги».

3 Чақалоқнинг тагига солиб қўйиладиган юмшоқ мато. *Тагига нам ўтганини сезиб, бошқатдан йўргакламоқчи бўлди. Буни сезган Салима ирғиб ўрнидан туриб, таглик келтириб берди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТАГОБИ Хўраки ва винобоп ўртапишар узум нави; шу хил узумдан тайёрланган майиз ёки вино. *Бундан чиқди.. тагобидан мўлроқ ичиб юборибди-да.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

ТАГСИЗ 1 Таги, туби йўқ. *Тагсиз челак.*

2 *кўчма* Жуда чуқур, тубсиз. *Тагсиз денгиз.* ▬ *Факультет – Мунисхон билан икковининг орасидаги тагсиз чоҳга тушган омонат кўприк эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *кўчма* Бепоён, бениҳоя. *Тагсиз осмонда сочилиб ётган саноқсиз юлдузлар гузарнинг тўрт ерига ёқиб қўйилган кунжара машъални эрмак қилаётгандек живирлашади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Асоссиз, пуч. *-Бу гапларимни ёлғон демоқчимисан? -Албатта, тагсиз гаплар!* С. Айний, Қуллар.

ТАГСИНЧ Синчли иморатнинг пойдеворига ётқизиладиган ва устига синчлар қададиган узун, бақувват ёғоч. *Малла киши ичкарига кирганда, ҳалиги эски парпаша паранжи айвон тагсинчида ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАГ-ТАХТ Кимсанинг асли, насли-насаби, зоти, келиб чиқиши. *Ўзининг «таг-тахти»га бино қўйган одамлар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАГ-ТАХТЛИ Бойлар, ўзига тўқ одамлар нуқтаи назаридан насл-насаби яхши; тагдор. *Остонангизга арзийдиган таг-тахтли мастура қизлар қуриб кетиптими?* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАГ-ТОМИР: таг-томири билан 1 Таги-томирини қолдирмай; бутунлай. *Трактор.. ёввойи жийда, чангал, туранғи, тол, дўлана сингари бута ва майда дарахтларни таг-томири билан қўпориб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Ҳеч асари қолмай (асар қолдирмай); бутунлай. *Ойқиз раиснинг.. дилида занг босиб ётган.. чирик фикрларни таг-томири билан суғуриб ташлашни истарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Илоё, таг-томири билан қуриб кетсин бу газандалар!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАГ-ТУБ 1 *айн.* **таг-тахт.** [*Баҳри:*] *Турғуннинг таг-тубини бундоқ суриштирдингми?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2 *айн.* **таг-томир.** *Дарахтларни таг-туби билан қўпормоқ. Зарарли иллатларни таг-туби билан йўқотмоқ.*

ТАГ-ТУБЛИ *айн.* **таг-тахтли.** *Неча хотин олиб ёлчимаган туппа-тузук, таг-тубли одамлар кўп.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАГ-ТУГ *айн.* **таг-туб.** *Таг-туги билан қўпормоқ.* ▬ *Ростини айтсам, мен шу вақт-*

гача ҳеч бир аёлнинг таг-тугини суриштирган эмасман. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАГ-ТУГЛИ *айн.* **таг-тахтли.** *-Қиз бола бўйга етганда, ота уйи унга торлик қилади. Ота-оналар уни «таг-тугли» жой топиб беришга шошиладилар, — деди Кумуш.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ТАГЧАРМ Пойабзалнинг ост қисмига ишлатиладиган қалин чарм. *Шиппагининг тагчарми кўчган ерларини тикди..* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАДБИР [*а.* تدبير — бошқариш, идора қилиш; тежамкорлик; чора, илож, йўл-йўриқ; ҳаракат тарзи] Амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун йўл-йўриқ ва чора. *Ҳосилдорликни ошириш тадбирлари.* ▬ *..ҳақиқат олдида у ҳайрон ва бунга қарши тадбир ўйлаш билан гаранг эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу тадбирнинг келиб-келиб Тўламатдан чиққанини айтмайсизми!* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Мақсадни амалга ошириш йўлидаги иш, хатти-ҳаракатнинг ўзи. *Бу шунчаки оддий тадбир бўлмай, у ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш иши билан чамбарчас боғланиб кетади.* «Фан ва турмуш». *Ҳар бир тадбир талабалар тарбиясини такомиллаштиришга.. йўналтирилган.* Газетадан. *Ҳосил тугиш даврида чеканка қилиш муҳим агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади.* Газетадан.

3 Маълум мақсадда ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш, ишлар. *Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармаси ва кинофильмлар прокати «Зулматдан зиёга» номи билан катта маданий тадбир ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.* Газетадан.

ТАДБИРИЙ Тадбирга оид, тадбирга қаратилган. *..ҳайвонлар экспонатларини бойитиш каби жуда кўп тадбирий чоралар режалаштирилган.* Газетадан.

ТАДБИРКОР [*а.* + *ф.* تدبيركار — тадбир қилувчи, тадбир изловчи] **1** *айн.* **тадбирли.** *Омон мустақил фикрли, чўрткесар, узоқни кўра оладиган, тадбиркор, яхши дўст эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Тадбиркор Халил аканинг қаршисида Аҳмад бир лаҳза ўзини жуда лапашанг ҳис этди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Ишлаб чиқаришни ёки бошқа фаолиятни ташкил этувчи, молиялаштирувчи, тижорат ёки саноат корхонасини фойда олиш мақсадида бошқарувчи шахс, мулкдор.

ТАДБИРКОРЛИК Тадбиркорга хос хатти-ҳаракат, фаолият, хислат. *Тадбиркорлик билан иш тутмоқ.* ▬ *Бу ишда яна Бабич билан Семённинг тадбиркорлиги қўл келди.* Ш. Ғуломов, Инсон қўли гул.

ТАДБИРЛИ Тадбир билан, пухта ўйлаб иш қиладиган. *Тадбирли одам.* ▬ *Норбиби ёш бўлса ҳам, анча тадбирли, довюрак қиз эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ТАДБИРСИЗ Ўйламасдан, режа ва тадбир кўрмасдан иш тутувчи; пала-партиш, шу тарздаги. *Тадбирсиз одам.* ▬ *Тошкент халқи қипчоқларнинг жабру зулми ва тадбирсиз идораси остида ётиб, жуда тўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАДОРИК [*а.* تدارك — тўғрилаш, тузатиш, тўғри йўлга қўйиш; чора, илож] Тайёргарлик, ҳозирлик. *Сафар тадориклари.* ▬ *Чол тўй тадоригини ҳам кўриб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Байрам тадоригими, тонготар файзими.. баъзан мижжа қоқтирмайди сени.* С. Акбарий, Сени улуғлайман.

ТАДРИЖ [*а.* تدريج — даражама-даража, аста-секин илгарилаш, юқорилаш, юксалиш] **1** *кт.* Миқдорий ёки сифат ўзгаришларидаги даражама-даражалик, аста-секинлик; табиат ва жамият ҳодисаларининг ҳаракат ва ривожланиш шаклларидан бири; эволюция. *..шу усул ҳам шеърда ҳисни, манзарани ва таъсирни пояма-пояма тадриж билан кучайтиришга хизмат қилади..* М. Шайхзода, Фурқатнинг бадиий маҳоратига доир.

2 *ад.* Мумтоз шеъриятда, асосан ғазалларда муайян образ ёки тушунчани ўхшатишлар воситаси билан даражама-даража ривожлантириб боришдан иборат бадиий усул.

ТАДРИЖАН [*а.* تدريجاً — тадрижий равишда] *кт. кам қўлл.* Изчиллик билан, аста-секинлик билан, эволюцион тарзда, тадрижий равишда; даража-бадаража. *Тадрижан ривожланмоқ.*

ТАДРИЖИЙ Секин-аста, даража-бадаража содир бўладиган; эволюцион. *Табиатнинг тадрижий такомили. Тадрижий ривожланиш.* ▬ *Лирик сюжет поэзияда лирик қаҳрамон характерининг шаклланишини ва тадрижий ривожланишини ифодалайди.* Н.

Каримов, Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати.

ТАДҚИҚ [*а.* تدقيق – синчиклаб, батафсил текшириш, синаш; аниқлаш] *Чуқур, синчиклаб ўрганиш иши.. уларда давр туйғуси, замон дарди ва воқелик тадқиқи чуқурлашиб бораётир.* Газетадан.

Тадқиқ қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Илмий асосда, синчиклаб, чуқур текширмоқ, ўрганмоқ. *Тил ҳодисаларини тадқиқ қилмоқ.* ▬ *Мақсад – «Ал-Тоҳир» юлдузига иложи борича яқинлашиб, унинг ўзини ва теварак-атрофини тадқиқ қилишдан иборат эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *..хуллас, бу жойларни тадқиқ этиб, аниқ бир фикрга келиш керак, – дея Шералига қараб сўзини якунлади.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАДҚИҚИЙ Илмий текширишга оид; илмий текширишга асосланган. *Тадқиқий иш. Тадқиқий метод.*

ТАДҚИҚОТ [*а.* تدقيقات – «тадқиқ» с. кўпл.] **1** Тадқиқ иши, текшириш, ўрганиш иши. *Бухоро яқинидаги Қизбиби меъморий комплексида кенг планда тадқиқотлар олиб борилди.* «Фан ва турмуш».

2 Илмий текшириш ишининг натижаси. *Янги кашфиёт ва тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий қилмоқ муҳимдир.*

ТАДҚИҚОТЧИ Тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи шахс. *Мақсуд Шайхзода Алишер Навоий ижодининг йирик тадқиқотчиларидан бири бўлди.* Газетадан.

ТАДҚИҚОТЧИЛИК Тадқиқот билан машғул бўлиш, тадқиқот ишлари. *Геология соҳасидаги тадқиқотчилик. Тадқиқотчилик билан шуғулланмоқ.*

ТАЁВ *кам қўлл. айн.* **тиргак**. *Таёвларни тиранг қирғоққа, Абдукарим, сен кел бу ёққа.* Э. Раҳим.

ТАЁҚ 1 Дарахт шохининг уриш, ҳайдаш ва ш.к. учун ишлатиладиган бўлаги, ундан махсус ишланган қисми; калтак. *Узун таёқ. Қуруқ таёқ.* ▬ *Кал ўликни дарвозага олиб чиқиб, белини боғлаб, қўлига таёқ бериб кетибди.* «Эртаклар».

2 Шундай ёғоч (таёқ)дан теккан зарб. *Кимларнинг орқасида таёқ излари, Ҳали ҳам тўлқинланар қон денгизлари.* Ғайратий.

3 Ҳасса вазифасидаги ёғоч; ҳасса**.** *Оёқ чарчаса, таёқ ярайди.* Мақол. ▬ *Ота залварли таёғини қорга ниқтаб босиб, бардам қадам ташларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Айтилмаган қўноқ – йўнилмаган таёқ. Айтмаган жойга меҳмон бўлиб бориш орсизлик бўлади, деган маънодаги мақол. **Бояги-бояги – бойхўжанинг таёғи** *қ.* **бояги**.

ТАЁҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Таёқ билан урмоқ, калтакламоқ. *Тухми одам бўлса, банди қилгин деб, Ким бўлса таёқлаб, бориб ургин деб.* «Нурали».

ТАЁҚЛИ Таёғи бор, таёқ кўтарган. *Арк дарвозасидан югурган бир неча таёқлилар.. деҳқонни ёқасидан ушлаб.. судраб олиб бордилар..* С. Айний, Қуллар.

ТАЁҚЧА 1 Кичкина таёқ.

2 *айн.* **стержень.** *Темир таёқча.*

3 Баъзи касалликлар микроби. *Кох таёқчалари* (сил касалини тарқатувчилар). ▬ *..касалликни жуда майда бўлган кўкйўтал таёқчалари пайдо қилиши маълум бўлди.* А. Ҳабибов, Кўкйўтал.

ТАЖАЛЛИ [*а.* تجلّى – кўриниш, жилваланиш, жилоланиш] **1** *эск. кт.* Жилва, жило; жилолар. *Ҳуснинг тажаллисидин бетоб моҳрўлар, Андоқки зоҳир ўлмас хуршид, чиқса кавкаб.* Нодира.

2 *дин.* Аллоҳнинг зуҳурланиши, намоён бўлиши (зот тажаллиси, сифот тажаллиси, феъл тажаллиси каби уч турга бўлинади).

ТАЖАММУЛ [*а.* تجمّل – юзаки, ёлғондакам хушмуомалалик; безатиш, пардозлаш; сабр-тоқат] *эск.* Керакли нарсалар, зийнат буюмлари. *Қизникида ҳамма тажаммулни тайёрлаб, Комилбекнинг отасидан тортиб никоҳ қиладиган қозию қуззотларгача куёвни кутиб ўлтирар эканлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАЖАНГ 1 Кайфи бузуқ, жаҳли (асаби) қўзиган ҳолатли. *Юзлари лўппигина, серғайрат, тажанг хотинга қараб туриб, Нусратбек онасини эслади.* С. Нуров, Нарвон. *..ҳар сафар қайтишда хуноб бўлар, сўкинар ва Аҳмаджонни ҳам тажанг гумон қилиб, унга тасалли берар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз

Тажанг бўлмоқ Асаби қўзғаб жаҳлланмоқ, ўта кайфи бузилмоқ, тажанглиги тутмоқ. *Раис Рихсивой акадан аҳволни билгач, яна тажанг бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Бугун Ботиралининг уйидаги жонланишдан тажанг бўлиб ўтирган махдум бобиллаб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Бекорга жаҳли чиқаверадиган, жиғибийрон бўлаверадиган; жаҳли, аччиғи тез. *Тажанг одам.* ▬ *Ака-ука уста қўлида уч йил*

ишлашди — тезроқ ва тажанг Абутолиб уч йил деганда уста Нажмиддин Бухорийнинг розилигини олмай, ўз ҳовлисида хумдон қуриб, кошину идиш ясай бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор. *Зоҳир шайх.. оғаси каби арзимаган нарсага ловуллаб кетадиган тажанг, жаҳлдор эмас..* С. Сиёев, Аваз.

3 Шундай белги-хусусиятга эга бўлган шахс исмига қўшиб айтиладиган (ишлатиладиган) сўз, лақаб. *Нурилла Нарвоний «бир ичак узди» қилиш учун эшигига «Ҳасратхон» деб ёзилган нимқоронғи хонага Эшпўлат тажангни олиб кирибди.* «Муштум».

ТАЖАНГЛАНМОҚ *кам қўлл.* Тажанг бўлмоқ. *Солиҳбойнинг қайнаб турган ғазаби.. тажанглaниб бақиришида эмас, балки гапларининг қатъийлигида ифодаланади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

ТАЖАНГЛАШМОҚ Тобора тажанг бўлмоқ, тажанглиги ошмоқ. *Чол баттар тажанглашиб, энди оғзини сўзга жуфтлаган эди, вақтичоғ Унсин кўчадан қушдай учиб кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТАЖАНГЛИК 1 Тажанг ҳолат. *-Татар қайтдими? — деб сўрайди мулла Обид. -Қайтди, тажанглиги ошиб, яна далага кетди! — деб кулади Мардонбой.* А. Қодирий, Обид кетмон. *У тажанглик билан қўлларини яна ўйнатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Овозида тажанглик, асабийлик бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тажанг шахсга хос хусусият, хислат. *Ўқитувчи тажанглик, қўполлик, шошқалоқлик, бесабрлик каби номатлуб сифатлардан бутунлай мусаффо бўлиши шарт.* Р. Усмонов, Одобнома. *Қуюқ қошлари остида икки кўзи ёниб туради, жиндак тажанглиги ҳам бор — бир сўз етарли, икки сўз ортиқча.* Мирмуҳсин, Умид.

ТАЖАССУМ [*а.* تجسّم — шаклланиш, гавдаланиш; катталашиш] *эск. кт.* Гавдаланиш, ифода белгиси, ҳолат. *Воқеалар образлардагина конкрет тажассумига, типик чизгиларга эга бўлади.* «Ёшлик». *Фикрни теранлаштириш эвазига ғоя янада бойийди ва поэтик тажассумига эришади.* «ЎТА».

Тажассум топмоқ Гавдаланмоқ, ифода белгисига эга бўлмоқ. *Шу маънода пейзаж лирикада инсоний ҳис-туйғу ва кечинмаларнинг ёрқин тажассум топиши учун фон вазифасини ўтайди.* «ЎТА».

ТАЖАССУМЛАНМОҚ *эск. кт.* Гавдаланмоқ, мужассам ҳолда намоён бўлмоқ. *Инсон табиатининг порлоқ, хира, рангсиз, қора ва ҳоказо жонсиз жилвалари кўз олдида тажассумланади.* Ойбек, Навоий.

ТАЖВИД [*а.* تجويد — қироат, оҳанг билан ўқиш] *дин.* Қуръон оятларини ўқишда нутқ товушлари талаффузининг тўғрилигига эътибор бериш, Қуръонни қироат, алоҳида оҳанг билан ўқиш; Қуръон ўқиш илми.

ТАЖНИС [*а.* تجنيس — ўхшаш, бир хил шаклга келтириш; тўла уйғунлик] **1** Тил бирликларининг шаклдошлигига асосланадиган сўз ўйини.

2 *ад.* Оғзаки ва ёзма адабиётда: шаклдош (омоним) сўзларни қўллаш, сўзларни шаклдош қилишдан иборат бадиий санъат тури (туюқ жанрида кенг қўлланади). *Мас.: Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от, Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим, Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от.* «Равшан».

ТАЖОВУЗ [*а.* تجاوز — ўтиш, чегарадан ўтиш, босиб ўтиш; ҳаддан ошиш; қонунбузарлик] *сиёс.* Бир ёки бир неча давлатнинг бошқа мамлакатларни бўйсундириш, уларнинг ерларини босиб олиш мақсадида қурол кучи билан бостириб кириши. *Империализмнинг ҳар қандай хуружлари, исёнлари, суиқасдлари, тажовузлари бу руҳни ўлдира олмайди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *кўчма* Умуман, зўрлик, зўравонлик хатти-ҳаракати, ҳамласи. *Назира ёмон ниятда қилинаётган тажовузни сезиб қолгандай, қўллари ғайритабиий кучга кириб, Йигиталини итариб юборди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Ҳамма чиройли қизлар каби, у ҳам йигитларнинг «тажовузи»га кўп учради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Тажовуз қилмоқ Шундай иш, хатти-ҳаракат қилмоқ, зўравонлик, тажовузкорликни амалга оширмоқ. *..халқнинг эркига тажовуз қилишга қарши мардонавор кураш олиб борди.* «Саодат». *Қаёқдандир ковлаштириб, «Бир вақтлар Сайфиддинов фалончи қизнинг номусига тажовуз қилган», деган гапни топди.* Мирмуҳсин, Жиблажибон.

ТАЖОВУЗКОР [*а. + ф.* تجاوزكار — тажовуз қилувчи] Тажовуз, босқинчилик сиёсатини қўлловчи (*қ.* **тажовуз 1**). *Тажовузкор давлатлар.*

ТАЖОВУЗКОРЛАРЧА Тажовузкорлар каби, тажовузкорлик билан. *Тажовузкорларча ҳаракат.*

ТАЖОВУЗКОРЛИК Бошқаларнинг ерларини босиб олиш мақсадларига қаратилган зўравонлик ҳаракати. *Тажовузкорлик сиёсати.*

ТАЖОВУЗКОРОНА *айн.* **тажовузкорларча.**

ТАЖОҲУЛ [*а.* تجاهل – билиб ёки билмасдан инкор этиш, ўзини билмасликка олиш]: **тажоҳули орифона** *ад.* Мумтоз шеъриятда ўхшатиш усулларидан бири: шоир бирор манба (ёр, маҳбуб ва ш.к.) га нисбатан бир ёки бир неча тўғри, ҳаққоний ўшатиш қўллаб, гўё хатога йўл қўйгандай, ўшатишларнинг тўғри-нотўғрилиги ҳақида бошқалардан сўрайди.

ТАЖРИБА [*а.* تجربه – синов, эксперимент; малака, маҳорат; бирор хислатни, ишҳаракатни синаб кўриш] **1** Муайян мақсадда амалга ошириладиган, билиш, аниқлаш, синаш ва ш.к. га қаратилган иш, фаолият. *Тажриба ўтказмоқ. Тажриба натижалари. Тажрибада синаб кўрмоқ.* ▬ *Тажриба учун ажратилган уч гектар ер тизма тоғлардай бир-бирига уланиб кетган адир этагида эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Кларк Маҳдининг юрак уришини текшириб кўрди-ю, тажрибани бас қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Амалий ишда, ҳаётда ўзлаштирилган, орттирилган билимлар, малакалар, уқувлар мажмуи. *Ҳаётий тажриба. Педагогик тажриба. Илғорларнинг тажрибасини ўрганмоқ. Тажрибаларни ўртоқлашмоқ.* ▬ *Бизнинг вазифамиз илмни халқ тажрибаси билан бойитиш ва шу билан бирга халқ тажрибасини илмнинг элагидан ўтказишдир.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Биз илғор машъалларимизнинг тажрибасини оммалаштиришимиз керак.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Шайбонийхон чоршанба куни ҳаёт-мамоти ҳал бўлишини сезиб, бор истеъдодини, бутун тажрибасини ишга сола бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *флс.* Объектив дунёни, воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий-эмпирик билиш жараёни; объектив дунё ва ижтимоий амалиёт қонунларининг киши онгидаги инъикоси. *Ҳиссий тажриба. Санъаткорнинг эстетик тажрибаси.*

4 Бир масала, йўналишда дастлабки тарздаги иш, ҳаракат ва унинг маҳсули. *Ёш ижодкорнинг биринчи тажрибаси.* ▬ *Ўз ғазалларига ўзи тахмис боғлаш тажрибасини ҳам адабиётимиз тарихида Навоий бошлаб берди.* «ЎТА».

ТАЖРИБАВИЙ Тажрибага оид, тажрибага асосланган. *Тажрибавий ва назарий физика.*

ТАЖРИБАДОР [*а.* + *ф.* تجربه‌دار – тажрибага эга] *кам қўлл. айн.* **тажрибали.** *Тажрибадор йилқичилар.*

ТАЖРИБАКОР [*а.* + *ф.* تجربه‌کار – тажриба қилувчи, тажриба ўтказувчи] **1** *айн.* **тажрибали.** *Тажрибакор одамлар.* ▬ [*Қодир:*] *Бригадирликка энг яхши, илғор, тажрибакор, ишнинг кўзини биладиган, жонкуяр одамларни сайламоқчимиз.* Уйғун, Навбаҳор.

2 Тажриба ўтказувчи, тажриба билан шуғулланувчи. *Лебедев – жаҳон фани тарихида ёруғлик босимини биринчи бўлиб аниқлаган машҳур тажрибакор олим.* «Фан ва турмуш».

ТАЖРИБАКОРЛИК Катта, кўп тажрибага эгалик, тажриба асосида иш кўришлик, тажрибага оид иш-фаолият. -*Соқол тажрибакорликдан оқаради, – деди у намоздан қайтиб келган чолга.* Ғ. Расул, Адолат.

ТАЖРИБАЛИ Катта тажрибага эга, кўп тажриба, малака орттирган. *Тажрибали ўқитувчи. Тажрибали раҳбар.* ▬ *Нигора Акрамни тажрибали, билимдон врач деб ҳурмат қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дарҳақиқат, пахтани тушуна оладиган, ерни биладиган тажрибали раиссан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАЖРИБАСИЗ Иш тажрибасига, малакага эга бўлмаган; ғўр, хом. *Тажрибасиз агроном.* ▬ *Мен ҳаммани бир-бир синаб кўрганимдан кейин, Ҳасанни ҳаммадан тажрибасизроқ, соддароқ топиб, шуни овлашга киришдим.* С. Айний, Қуллар.

ТАЖРИБАСИЗЛИК Тажрибага эга эмаслик, тажриба кўрмаганлик. *Сиёсий тажрибасизлик. Тажрибасизлик оқибатидаги камчилик.* ▬ *Мана, кечаги воқеани олинг. Самолётлар ҳужуми вақтида командирлар тажрибасизлик қилишди, жангчилар шошиб қолишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАЖРИБАЧИ *айн.* **тажрибакор 2.** *Тажрибачи талаба.*

ТАЗАРРУ [*а.* تضرّع – ўзини паст тутиш, итоаткорлик; ялиниш, ёлвориш] Узр билан ёлвориш, ялиниш. *Тавба-тазарру қил, тақсирим гуноҳингдан ўтсинлар.* «Муштум».

ТАЗЙИҚ [*а.* تضييق – торайтириш; чеклаш; эзиш, жабр қилиш; эзилиш] **1** Куч билан, зўрлаб ўтказиладиган таъсир, сиқув. *Жамоатчиликнинг тазйиқи. Тайзиқ кўрсатмоқ. Ўз фикрини тазйиқ билан ўтказмоқ.* ▬ *Инглиз хўжайинларининг тазйиқи билан Ҳайдархўжа яна жиддийроқ ишга киришди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Бир нафасгина қотган халқ тўлқини яна кучлироқ тазйиқ ва матонат билан олға сапчиди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *эск. физ.* Босим. *Суюқликнинг тазйиқи.* ▬ *Ғоят кучли босимга эга бўлган нефтнинг ер остидан қилиб турган тазйиқини қайтариб турган нарса шу жинс (гил) эди.* «Фан ва турмуш».

ТАЗКИРА [*а.* تذكره – билдириш, хабардор қилиш; ҳаётнома; хотира, эслаш; хотиранома] **1** *ад.* Ёзувчи ва шоирлар тўғрисида қисқача маълумот берилиб, асарларидан намуналар келтирилган, умуман, тарих, тасаввуф, санъат соҳасидаги воқеа ва шахслар ҳақида эсдалик руҳида ёзилган китоб, антология. *Навоий тазкираси – «Мажолис».. янги типдаги тазкира – антология эди.* «ЎТА».

2 *айн.* **мемуар.**

ТАЗКИРАЧИ Тазкира ёзувчи шахс. *Бу факт Навоий туркий халқлар адабиётида.. ўз замонаси адабиётининг қимматини оширган илк тазкирачи бўлиш эътибори билан ҳам ижобий таъсир ўтказганлигини кўрсатади.* «ЎТА».

ТАЗКИРАЧИЛИК Тазкира ёзиш, фаолиятнинг шу соҳаси. *..ўрта аср давридаги ўзбек адабиёти учун ҳам хамсачилик, тазкирачилик каби ранг-баранг бадиий асар хиллари.. характерлидир.* М. Ҳусаинов, Навоий мақолотлари.

ТАЗМИН [*а.* تضمين – қамраб олиш, ичига олиш; ўз фикрини тўғридан-тўғри эмас, ишора, рамзлар билан ифодалаш] *ад.* Шоир ўз фикри, ҳис-туйғусини тасдиқлаш, исботлаш ёки давом эттириш учун ўзга шоир ижодидан шоҳбайт – афоризм даражасига кўтарилган машҳур мисрани ўз шеърида келтиришидан иборат шеърий санъат тури. *Ғарибий хатни Муқимийга узатди. ..Бу шеър Муқимийнинг Йигчи эшон ҳақидаги ҳажвига тазмин эди.* С. Абдулла, Қувғунда.

ТАЗОД [*а.* تضاد – қарши ҳаракат, қарама-қаршилик] *ад.* Мумтоз шарқ шеъриятида ўзаро зид тушунчаларни ифодаловчи сўз ёки ибораларни қўллашдан иборат, кенг тарқалган бадиий тасвир воситаси. *Тазод дастлаб фольклор ва қадимги бадиий адабиётда ишлатилган.* «ЎзМЭ».

ТАЙ [*а.* طى – буриш, букиш; масофани босиб ўтиш; юриш, кезиш]: **тай қилмоқ** (*ёки* **урмоқ**) *эск.* Кезиб, юриб, айланиб чиқмоқ. *Бир талай манзил-мароҳил тай қилиб, кўп юриб, кўп юрсам ҳам мўл юриб, Аччабод деган шаҳри азимга борганимда, бир тўда катта-кичик, қора-қура ўспиринлар атрофимни ўраб олишди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ҳар шаҳарман шу шаҳарга борасан, Жаҳонни тай уриб, излаб кўрасан.* «Муродхон».

ТАЙГА [*р.* тайга < *т.-олтой* тайға – қояли тоғ] Осиё, Европа ва Американинг шимолидаги қалин ўрмон зонаси. *Тайга ўрмонлари. Тайга иқлими.* ▬ *Тайгалар қуршови ичида бутун, Ажратиб бўлмасди кундузми ё тун.* М. Шайхзода.

ТАЙЁР [*а.* طيّار – учадиган, учувчан; жўнатувчи] **1** Бирор ишга шайланиб, ҳозирланиб турган, шай, ҳозир. *Улар* [*солдатлар*] *милтиқларини осмонга ўқталиб, ҳар дам отишга тайёр турардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор нарса, иш учун мойил, рози ҳолатли. *Мени қўя беринг, осадими, чопадими – ҳаммасига тайёрман.* К. Яшин, Ҳамза. *Йўлчи шу чоқда қанча ақчаси бўлса ҳам беришга тайёр эди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Анварга мазкур олий табақаларнинг ҳар қайсиси ҳам ўз қизини бериб, куёв қилишга тайёр!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Салтанат учун қурбон бўлишга ҳам тайёр..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Ишлатиш, истеъмол ва ш.к. учун ҳозирлаб қўйилган. *Тайёр кийимлар. Тайёр маҳсулотлар.* ▬ *Сутчой тайёр бўлди, сузиб кирайми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғаввос тайёр аравалардан бирини олиб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 *с.т. юкл.* Кучайтириш, таъкид билдиради (асосан, болани ота ёки онага қиёслашда қўлланади). *Кичик ўғли тайёр отасининг ўзи бўлибди.*

Тайёр қилмоқ Тайёр ҳолга келтирмоқ. *..ғўшт, мой солиш учун тоғораларни тозалаб тайёр қилишни буюрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уй эгаси ажойиб танти хотин, айтганингни тайёр қилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Тайёр ошга баковул** *қ.* **баковул.**

ТАЙЁРГАРЛИК 1 Тайёр ҳолга келиш, келтириш ишлари; тайёрлаш, тайёрланиш ҳаракати; ҳозирлик. *Имтиҳонга тайёргарлик. Сафарга тайёргарлик. Баҳорги экишга тайёргарлик.* ▬ *Азиз меҳмонни кутаётгандек уйида тайёргарлик зўр эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Тайёрлик, ҳозирлик ҳолати. *Сиёсий тайёргарлик.* ▬ *..жанговар тайёргарликни такомиллаштириб.. жангларга ҳозир бўлиб туриш керак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Коллеж жамоаси янги ўқув йилига катта тайёргарлик билан келди.* Газетадан.

Тайёргарлик кўрмоқ Тайёрлаш (тайёрланиш) ишларини қилмоқ, амалга оширмоқ. *Чодирларда дам олиш ва катта зиёфатлар бериш учун ҳамма тайёргарликлар кўриб қўйилганини мулла Фазлиддин билар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бадиа эгар қошидан ушлаб, отига енгилгина минди-да, улоққа тайёргарлик кўриб чопиб юрган чавандозлар тўпи сари учиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАЙЁРГАРЧИЛИК *с.т. қ.* **тайёргарлик**.

ТАЙЁРЛАМОҚ 1 Тайёр, муҳайё ҳолга келтирмоқ; тахт қилмоқ; ҳозирламоқ. *Қишга ўтин тайёрламоқ.* ▬ *Гулнор ҳамма нарсани зумда тайёрлаб, дадасига кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Заврак нонушта тайёрлаб, у одам кутиб ўтирганини Меъморга хабар қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..отин бувиларга, эшон ойимларга таҳорат суви тайёрлаш каби юмушлар Гулнорни Йўлчи олдига аста-секин яқинлашувга мажбур қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ишлаб юзага келтирмоқ, ҳосил қилмоқ, етиштирмоқ (қурмоқ, пиширмоқ, тикмоқ, ясамоқ ва ш.к.). *Унсин.. Йўлчи учун ўзи тайёрлаган яхши «тагдўзи» дўппини кийдирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозирги пайтда шифобахш ўсимликлардан дори тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.* Газетадан. *У шу куниёқ эни бир метр, бўйи ярим метрли супа тайёрлади.* Газетадан. *Чиннининг анъанавий вазифаси идиш-товоқлар, меъморчилик деталлари ва бошқа буюмлар тайёрлашда қўлланишидан иборатдир.* Газетадан.

3 Ўқитиб, ўргатиб ва б. йўллар билан бирор иш-вазифа учун тайёр қилмоқ; етиштирмоқ. *Кадрлар тайёрламоқ. Имтиҳонга тайёрламоқ.* ▬ *Тишченко уни* [*Малоҳатни*] *бирмунча вақт шофёрлар курсига тайёрлабди, оқибат киргизиб ҳам қўйибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. *Ўттиз бир йигит-қиз Олмазордаги механизаторлар тайёрлайдиган билим юртига бориб ўқиймиз* [*деди Аъзам*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ТАЙЁРЛИК 1 Тайёр эканлик, тайёр ҳолатдалик. *Мирзакаримбой жиянининг ишга тайёрлигидан рози каби кулди-да, индамасдан, ичкари кириб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **тайёргарлик.** *Шундай қадрли меҳмон келишини олдинроқ билмагани сабабли тайёрлик кўролмаганидан нақадар хижолатда эканини айтиб битиролмас эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ТАЙИН [*а.* تعيين – белгилаш, тайинлан] **1** Аниқ, белгили, тайинли. *Тайин вақт. Тайин иш.* ▬ *Ахир, хатида тайин ёзибди-ку..* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Умид уларга тайин бир гап айта олмади.* Мирмуҳсин, Умид. *Аммо бир нарса тайин эди: у шу қизсиз яшай олмайди!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Аниқ, бор ҳолатли, муқимликка эга. *Йигитнинг қўлида гулдай ҳунари бор экан.. уй-жойи тайин экан. Яна сенга нима керак?* Ойбек, Танланган асарлар. *..унга нима етишмайди.. касб-кори тайин, бировга муҳтожлиги йўқ.* «Ёшлик».

Тайин қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) нима, қачон ва ш.к. жиҳатдан белгиламоқ, аниқламоқ, тайинламоқ. *Темир акамнинг бизларга тайин қилган иши шуки..* Н. Сафаров, Уйғониш. *Унинг ёшини тайин қилиш қийин..* Ойбек, Танланган асарлар. *Тайин қилдим тўйнинг бўлар кунини.* Ҳ. Олимжон; 2) иш-вазифа, лавозим кабиларга қўймоқ, тайинламоқ. *Раисликка тайин қилмоқ.* ▬ *..мустаҳкам истеҳком ўрнатишимиз, қоровуллар тайин этишимиз мақсадга мувофиқдир.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Тайини йўқ** 1) аниқ, белгили эмас; ноаниқ, нотайин. *Тўйнинг қачон бўлишининг ҳали тайини йўқ.* ▬ *Наслу насаби номаълум, ота-онасининг ҳам тайини йўқ Қора илонни бирон кимса ҳам эсламади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Борадиган шаҳрининг*

тайини йўқ. «Муродхон»; 2) ҳолати, натижаси муқим (аниқ) белгили эмас. *Ишингизга тушунолмай турибман, Йигитали ака, топишингизнинг ҳам тайини йўқ..* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Тайини йўқ иш! Мен ғўзани нобуд қилгани қўймайман!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) иши, ваъдасида собитлиги йўқ, бурди йўқ; бетайин. *Йўқ, тайини йўқроқ бола экан, бир куни қарасам, бошқа бир қиз билан ивирсиб юрибди..* У. Назаров, Ғурур.

ТАЙИНЛАМОҚ 1 *айн.* **тайин қилмоқ (этмоқ) 1** *қ.* **тайин.** *Мажлис вақтини тайинламоқ. Пенсия тайинламоқ.*

2 Таъкидлаб, уқтириб айтмоқ; топшириқ бермоқ. *..ўғлига ёмон гапларни тилга олмасликни такрор-такрор тайинларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Волидангиз тайинлаб юбордилар, дарҳол Андижон қўрғонига бориб, бекларни тўпламоқ керак!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. [*Мавлонов:*] *-Бу кишининг аҳволидан хабар олиб туринг, — деб қаттиқ тайинлаб кетган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Мансабга, вазифа ёки ишга қўймоқ, белгиламоқ. *Ишга тайинламоқ. Директор қилиб тайинламоқ.* ▬ [*Мусулмонқул:*] *Бу мадрасаларга, хизмати билан танилган уламодан мударрислар тайинлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У, бойнинг уйида кечган воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун, Шокир отанинг кампирини тайинлаган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бизга канал бўйича ўтов қилиб, ошпаз тайинлаб беришди.* Ш. Ғуломов, Шонли авлод.

ТАЙИНЛИ 1 Муайян, маълум, аниқ, тайин. *Тайинли иш. Тайинли кун.* ▬ *Мажлис тайинли бир фикрга келмасдан тарқалди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тайинли жавоб ололмаган бойвачча қўрғон эшигига бориб, кучи борича итарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Арзирли ва мақбул. *Тайинли иш.* ▬ *Нусратулла рўзғорда қўлини совуқ сувга урмайди, ота мулкига тайинли бир наф қўшган эмас.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Орага тушган совуқ вазиятни йўқотиш учун тайинлироқ сўз қидирар, аммо тилим калимага келмасди.* Ў. Хошимов, Хаёлларга бўламан тутқун.

3 Ишонса бўладиган, синашта, бурдли. *Тайинли одам.*

ТАЙИНСИЗ 1 Номаълум, ноаниқ, нотайин. *Иш жойи тайинсиз. Мажлиснинг куни тайинсиз.*

2 Ишониб бўлмайдиган, бурдсиз, бетайин. *Бу гап уни тайинсизроқ одамга ўхшатиб кўрсатарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТАЙЛАМОҚ *шв.* Ташламоқ. *Ойчинорнинг оёғини мўлжаллаб, Арқонини усталикман [усталик билан] тайлади.* «Ойсулув».

ТАЙМ [*ингл.* time — вақт] *спрт.* Спорт ўйинида, мас., футболда: ўйин учун ажратилган вақтнинг 45 минутлик икки қисмидан ҳар бири (баскетболда — 20 минут). *Биринчи тайм. Иккинчи тайм.*

ТАЙМ-АУТ [*ингл.* time out — муайян вақтдан ташқари(да)] Спорт ўйинлари қоидаларига кўра, жамоа, унинг устози ёки айрим ўйинчининг илтимоси билан рухсат этиладиган қисқа муддатли танаффус.

ТАЙМЕР [*ингл.* timer < time — вақтни белгиламоқ, тайинламоқ] *тех.* Маълум вақт оралиғи ўтгандан кейин бирор мослама, қурилмани автоматик равишда улайдиган (узадиган, ўчирадиган) ёки шундай вақт келганидан хабар берадиган асбоб.

ТАЙПАНГЛАМОҚ *шв.* Лўкилламоқ, лапангламоқ. *Қоғоз халта билан бирга белкуракни кўтарганича, тайпанглаб, пастликка қараб юриб қолди Маннон.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Каримов Норбуви ёнига тайпанглаб келди..* Ҳ. Шамс, Душман.

ТАЙПОҚ *шв.* Ялпоқ, бир оз яссироқ. *Тайпоқ бош.* ▬ *Тайпоқ тобоқда исириқ тутатди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *..бир зумда новдаларни бир-бирининг устидан ва остидан ўтказиб, тайпоқ саватча ясади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ТАЙСАЛЛАМОҚ 1 Қўрқинқирамоқ, ҳадиксирамоқ, шу ҳолда ўзини орқага олмоқ. *-Сиз томонда анови.. қўчқорлар кўринмадими? — тайсаллаб сўради Сувонжон.* С. Анорбоев, Оқсой. *Жонивор* [*от*] *бир-икки қамчидан кейин ҳам олдинга жилиш ўрнига орқасига тисарилиб, тайсалларди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 Орқага судрамоқ, кечиктирмоқ, галга солмоқ. *..баъзи бировларимиз уч-тўрт йил нима бўларкин, деб якка рўзғор бўлиб тайсаллаб юрдик.* Й. Шамшаров, Инсон қалби қуёшдан ёруғ. *Даҳо турли-туман важлар айтиб, тайсаллади.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Наҳотки, ўзи бажариши керак бўлган ишга*

енг ишмариб киришиш ўрнига тайсалласа?! С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ТАЙСАЛМОҚ *айн.* **тайсалламоқ 1.** *Хизматчилар, ранглари қув ўчиб, чет-четга тайсалдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ТАЙФИНЛАМОҚ *с. т.* Такфинламоқ, кафанламоқ.

ТАЙФУН [*ингл.* typhoon < *хит.* taifung (тай фын) – кучли шамол ёки *а.* طوفان – тошқин; сувнинг кўтарилиши] *геогр.* Жануби-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда бўлиб турадиган шиддатли, ниҳоятда кучли шамолли тропик циклонларнинг маҳаллий номи; тўфон. *Тайфун кемалар учун хавфли бўлиб, кўпинча оролларда ва материк соҳилида катта вайронгарчилик келтиради.* «География».

ТАЙХАР *шв.* Эшак, эшакнинг боласи. *Ким экан у, онаси тайхар?* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Кулга ағанаган тайхардай ранги тоза айниб кетибди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ТАК 1 *тақл. с.* Чилдирма, ноғора каби нарсаларни чертганда, чўп билан урганда чиқадиган товушни билдиради. *Фақат ғижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «так» этиб чертиб қўяр..* С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 Ноғоранинг жаранглироқ овоз берадиган тоқаси; *қ.* **тум.**

3 *унд. с.* Отни тўхтатиш, тинчлантириш учун ишлатиладиган ундалма. «*Так», деди-ю, «чувҳа» деди, жўнади. Қоражон ҳам ўз йўлидан қолмади.* «Алпомиш». *Так, так! Пашша талаяптими, ҳозир ҳаммасини жаҳаннамга юборамиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАКА I **1** Эчкининг эркаги; соғлом насл олиш учун танлаб олинадиган зотли эркак эчки. *Тоғ такаси тек турса, оч қолади.* Мақол. ▬ *Кенжа аста қўйлар орасидан бориб, қора таканинг оёғидан маҳкам ушлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

Така бўлсин, **сути бўлсин** Нима бўлса ҳам, фойдаси, нафи бўлсин. *Мунтазирман ҳар қандай буйруғига ер ўпиб, «Така бўлса, сути бўлсин», ийдириб юмшатаман.* «Муштум». **Така соқол(ли)** Соқоли таканинг соқолига ўхшаш. [*Бўри полвон*] *Кенг ҳам дўнг пешонасини.. чўзиқ жағи, така соқолини силади.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *-Яхши ухладингми? – деб сўради така соқолли нонуштадан сўнг.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Туркман қабилаларидан бирининг номи. *Така туркман.* ▬ *..кўчада юрган кимса борки, ўққа учди, така ёвмит қиличига йўлиқди.* С. Сиёев, Аваз.

ТАКА I Бангладеш Халқ Республикасининг пул бирлиги.

ТАКАББУР [*а.* تکبّر – ўзини улуғ тутиш; мағрурлик, манманлик] Ўзини катта олувчи, кеккайган, гердайган; мутакаббир, димоғдор. *Такаббур одам.* ▬ *Жуда такаббурсан-да, Зумрад. Отдан тушсанг ҳам, эгардан тушмайсан.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Отасининг давлати, катта оғиз, ҳовлиқма ва такаббур онасининг эркалаши қўшилиб, қизга ортиқча ғурур берган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАКАББУРЛАНМОҚ *кам қўлл.* Ўзини кибрли тутмоқ; кибрланмоқ. *Такаббурланиш ақлли одамнинг иши эмас.*

ТАКАББУРЛИК 1 Мағрурлик, манманлик, такаббурона ҳолат. *Такаббурлик билан гапирмоқ.* ▬ *Тешабойнинг такаббурлигини кўриб, Ҳасан сўфи ҳам индамай қўя қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Такаббур одамларга хос хислат, хатти-ҳаракат, қилиқ. *Ўқитувчига кибру ҳаво ва такаббурлик асло ярашмайди, чунки ёш авлод ундан ибрат олади.* Р. Усмонов, Одобнома.

ТАКАББУРОНА Такаббурлик билан, кибрланиб. *Уни такаббурона қараш билан кузатиб турган Абдималик: -Тинчликми, оғайни? – дея ҳол сўрай бошлади.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди.

ТАКАЛЛУМ [*а.* تکلّم – сўзлаш, сўзлашиш, суҳбат] *кт.* Суҳбат, гаплашиш; сўзлаш. *Ҳамза энди мўйлаби сабз урган.. хаёлчан, такаллуми ифодали, мантиқли.. ўз сўзли йигит бўлиб етилган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Тўлғонойнинг такаллумини бир эшитиб, Аматжон оғасига ҳорма айтиб келади..* С. Сиёев, Аваз.

Такаллум қилмоқ Сўзламоқ, гапирмоқ; суҳбатлашмоқ. *У ерда дўстликни улуғлаб инсон, Такаллум қилади қумри мисоли.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ТАКАЛЛУФ [*а.* تکلّف – сунъийлик, сохталик; серҳашамлик, жимжимадорлик; ийманиш, тортиниш] Ҳурмат-эхтиром ва эъзоз-икром билан қилинган муомала, мулозамат. *Такаллуф билан қарши олмоқ.* ▬ *Мен сизнинг кўрпачангизда кўп ўлтирганман, энди менга ортиқча такаллуфингизнинг ҳожати*

йўқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қиз ортиқ такаллуф кутиб туролмади, тўғри эшикни очиб, ичкарига кирди, ўзини Пўлатжонга қараб отди.* Ойдин, Асл ёр.

Такаллуф қилмоқ (*ёки* **кўрсатмоқ**) Ҳурмат-эҳтиром билан муомалада бўлмоқ. *Нусратбек.. янги ҳамроҳига ибрат бўлар деган мақсадда жувонга такаллуф қилди: -Чой дамлаб келайми, чанқагандирсиз?* С. Нуров, Нарвон. *Хола меҳмонларга такаллуф кўрсатиб, орасида Миробидни ҳам чақиб оларди.* В. Ғофуров, Вафодор.

ТАКАЛЛУФЛИ Такаллуфни ўрнига қўювчи, сертакаллуф; такаллуф ифодаловчи. *Такаллуфли мезбон.* ▬ *Нигора қўрққанидан такаллуфли жилмайди: -Қоплон, Қоплон, ахир биз сен билан танишмиз-ку!* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАКАЛЛУФОТ *эск. кт.* Такаллуф; такаллуфлар. *Нозик муомала.. ва такаллуфотлар пардаси остида.. хиёнатлар сезди.* Ойбек, Навоий.

ТАКАЛЛУФСИЗ Тортинмасдан, такаллуф кутмасдан; бетакаллуф. *Мақсад: мундан кейин ҳам менга кечаги Анвар каби такаллуфсиз муомалада бўлишларингиз ва ҳурматлар билан мени ранжитмасликларингиздир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Дўстмат такаллуфсиз, ортиқ қистатмай, ичкари кирди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ТАКАЛЛУФСИЗЛИК Такаллуфсиз қилинган иш, ҳаракат, муомала; иш, муомаладаги шундай ифода. *-Хўжайин, — одатдагича такаллуфсизлик билан деди у, — бу кун бир талай иш қилдик. Қайнатангизникидан келган йигит жуда яхши ишлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қизимнинг боқишида, гап оҳангида жиндай такаллуфсизлик сезилиб турарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ТАКА-ПУКА Чўчиш, қўрқиш, ваҳимага тушиш ҳолатли; безовта. *Бир оздан сўнг Шоқосим отларни тўхтатиб, Йўлчига қичқирди: -Тушунтир мундоқ, ўзи нима гап.. кўзларинг така-пука.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамманинг юраги така-пука — нафас чиқармай, тўнғизларнинг ўтиб кетишини кутишарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Така-пука бўлмоқ Ваҳимага тушмоқ, безовталанмоқ. *Бу ерда хоннинг беҳисоб қўшинини кўриб, юраги така-пука бўлиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шу боис ҳаракатлари ноқулай, ясама, ичи така-пука эди.* «Шарқ юлдузи». *Ҳафизанинг қўрқиб, така-пука бўлаётганини Шоқосим сезиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТАКАСАЛТАНГ Ҳеч нарсанинг ғам-ташвишини қилмайдиган, ишёқмас, бекорчи. *Бир мақсади йўқ, мужмалу мижғов такасалтанг, Иш бўлса чўчиб, қўрқади ялқов такасалтанг.* Ҳабибий. *Ўзига ўшаш бир-икки такасалтанг билан уззукун боғида ётиб.. ё тагин аллақаёқларда судралишиб, вақт ўтказади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТАКАСАЛТАНГЛИК Такасалтанг(лар)га хос юриш-туриш, ҳолат. *Такасалтанглик жонига тегмоқ.* ▬ *..уддабурон бир йигит келди, уни ўзимиз сайлаб, ўзимиз кўтариб қўйибмиз-у, тағин ўша-ўша такасалтанглик қилиб юрибмиз.* О. Ёқубов, Ларза.

ТАКАСОҚОЛ 1 *айн.* **эчкисоқол** (*яна қ.* **така**).

2 *бот.* Сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб, кенг тарқалган кўп йиллик бегона ўт.

ТАКА-ТАКА: така-така қилмоқ Ағдар-тўнтар, алғов-далғов қилмоқ, шу тарзда тинчликни бузмоқ. *Тоғларни така-така қилиб юрган унинг* [*Абдукарим темирчининг*] *божаси бўлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Мақсуд Низомов акасига орқа қилиб.. ҳамма ёқни така-така қилиб юрибди.* «Муштум».

ТАКА-ТУМ *тақл. с.* Ноғора товушини билдиради. *Том бошида карнайлар наъра тортиб, ноғоралар така-тумга олиб, бойнинг «шуҳратини» бутун шаҳарга ёймоқда эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ТАКБАС [*а.* تکبیس — бир ерга зич қилиб босиш, сиқиш; зичлаш]: **такбас қилмоқ** Сархонага тамаки солмоқ, тамаки босмоқ, шундай қилиб чекмоқ. *Хўрандаларнинг ичида такяга янги келган косиббаччалар ҳам бор эди. Булар солма ош қилиб, бир чилим, ярим чилим такбас қилиб кетувчи ёш-яланглар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТАКБИР [*а.* تکبیر — кенгайтириш, кучайтириш; улуғлаш, мақташ; худони улуғлаб, «Аллоҳу акбар» иборасини айтиш] *дин.* Аллоҳни улуғлаш билан боғлиқ ибора («Аллоҳу акбар» — Аллоҳ буюкдир)ни талаффуз этиш, тилга олиш. *Хатиб домла.. оқ бўйра устидаги тобут ёнига боради ва салласининг пешини тушириб, такбир учун қўл кўтаради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Самад бўқоқ индамай, четга бурилиб кетди. Шукур сўфи шом намози учун такбир*

тушира бошлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАКИЛЛАМОҚ «Так», «так» овоз чиқармоқ. *Оёқдан зах ўтиб, тиш такиллай бошлади.* Т. Алимов, Хиргойи. *Деворсоат қолган умрини ўлчаётган сингари бир алпозда такиллайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАКИР-ТУКУР *тақл. с.* «Так», «тук» ва шунга яқин кетма-кет чиқадиган товушларни билдиради. *Майна уйда ёлғиз ўтириб, уй томини чертаётган ёмғирнинг такир-тукурини тингларди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Такир-тукур қилмоқ Такир-тукур товуш чиқармоқ. *Қулоғига тунука томнинг такир-тукур қила бошлагани эшитилди.* Газетадан.

ТАККОН *шв.* Табиб. *Қимиз дори, деган неча такконлар, Чайиб бергин сава билан кўнакни.* «Алпомиш».

ТАКЛИФ [*а.* تكليف – буйруқ, топшириқ, вазифа; қийнаш; бурч, мажбурият] **1** Муҳокама қилиш, амалга ошириш ёки қабул қилиш учун тақдим этилган фикр, масала, маслаҳат ва ш. к. *Таклиф киритмоқ. Кўпчиликнинг таклифи билан қарор қабул қилмоқ.* ▬ *Лаълихон колхозга раис бўлсин, деган таклиф овозга қўйилганда, ҳамма бир қўлини кўтарса, Бодом хола икки қўлини баббаравар кўтарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Менинг таклифим шуки.. Мирзаевга ўхшаганларга институтда ўрин йўқ.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Таклифи ўринсиз чиққанини сезди-ю.. гапни кулгига бурди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ташриф буюриш, қадам ранжида қилиш ва ш.к. ҳақидаги илтимос, сўз, чақириқ. *Таклиф билети.* ▬ *-Раҳмат, Олимхон ака, Мен уйга борай, – Ҳакимбойвачча таклифни оддий манзират деб билгани учун кетмоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аъзам таклифни кутиб турмай, бўш яшик устига ўтирди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Таклиф қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Таклиф билдирмоқ, таклифини айтмоқ. *..Меъморни кўриши билан дарҳол ўнг қўли кўксида, салом бериб, ичкарига таклиф этди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Кейинчалик Санобарни ўша автобус шофёри устидан бўладиган судга таклиф қилишди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Устод Қавом нон ушатиб.. дастурхондаги ширинликлардан олишга таклиф қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *иқт.* Муайян вақтда ва муайян нархлар билан бозорга чиқарилган ва чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдорини ифодаловчи тушунча.

ТАКЛИФНОМА [таклиф + нома] Мажлис, тўй ва ш. к. га таклиф этиб ёзилган хат; таклиф, чақирув қоғози. *Йиғилиш қатнашчиларига таклифнома юбормоқ.* ▬ *Тўйга одамларни хат орқали чақиртирмоқчи бўлиб, таклифномалар ёздирди.* «Латифалар».

ТАКОМИЛ [*а.* تكامل – камолга етиш; мукаммаллик; бир бутун бўлиб бирлашиш] **1** Ривожланиш, камол топиш. *Тадрижий такомил.* ▬ *Шоир* [*Ҳамид Олимжон*] *ижодий такомилининг ўзига хос даврлари бор.* Газетадан.

2 Мукаммал, камолга етган ҳолат; камолот, етуклик. *Ҳа, Нигора бекам-кўст гўзал. У табиат гўзаллигининг такомили, инсон латофатининг айни мужассами эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Такомил топмоқ Камолга етмоқ. *Сен она! Сен битмас ҳаёт булоғи. Ҳаётни яратган муҳтарам омил. Улуғ келажакнинг ёш ниҳоллари Сендан тармоқ ёзиб, топар такомил.* Зулфия.

ТАКОМИЛЛАШМОҚ Камол топмоқ, мукаммаллашмоқ. [*Даминжон:*] *Ҳа, бўлмасамчи! Машина деган доим ўзгариб, такомиллашиб туради.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

ТАКРОР [*а.* تكرار – қайтариқ, такрорлаш] **1** *айн.* **қайтариқ 1.** *Матндаги такрорлар.* ▬ *Кимдир «такрор бўлмасин!» деб қичқирди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Айрим ҳолларда ана шундай такрорнинг бири ҳеч қандай функцияни бажармайди, натижада бундай плеоназм тавтологияга тенг бўлади.* «ЎТА». *Бироқ Абдураҳмон Шум боланинг янги шароитдаги қайтариғи ва такрори эмас, у янги қаҳрамон.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Иккинчи ёки кўп марта; қайта, қайта-қайта. *Такрор айтмоқ. Такрор огоҳлантирмоқ.* ▬ *Лоақал сиёсат юзасидан бир нима жаримага тортилсалар, истиқболда бу каби ғалаёнлар такрор бош кўтармагай.* Ойбек, Навоий. *Чол такрор сўрагач, у жавоб берди: -Тошкентда иш топсам, балки қоларман.* Ойбек, Танланган асарлар.

Такрор бўлмоқ Такрорланмоқ, қайтарилмоқ. *Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.* Ҳ. Олимжон, Ўрик

гуллаганда. **Такрор қилмоқ** Такрорламоқ, қайтармоқ. *У, сўзларини билмаса ҳам, овозининг борича, бутун юраги, севинч ва қувончини бағишлаб, ёқимли оҳангни такрор қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *тлш. айн.* **такрорий сўз** *қ.* **такрорий.**

ТАКРОРАН *рвш.* Иккинчи ёки кўп марта; такрор ҳолда, яна, қайтадан. *-Душман вақтинча тантана қилмоқда, — деди такроран Чернецов.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАКРОРИЙ Такрор қилинадиган, такрор бажариладиган, такрор ҳолдаги. *Такрорий қурт боқиш. Такрорий экиш.* ▬ *Меъмор хотини ва қизининг бир неча бор такрорий уқтиришлари натижасида уч соябон арава, олти отни кирага олиб..* Мирмуҳсин, Меъмор.

Такрорий сўз *тлш.* Сўзнинг кўплик, давомлилик каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилувчи такрор шакли. Мас., *катта-катта (*дарахтлар*) ёш-ёш (*болалар*) ҳўнг-ҳўнг (*йиғламоқ*)* ва б.

ТАКРОРЛАМОҚ Иккинчи ёки кўп марта такрор қилмоқ, қайтармоқ. *Яна бир такрорланг, фақир радифини уқиб олмоқчиман.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Юсуфбек ҳожи, то Эскижўвага етгунча, ўзининг юқоридаги сўзини кўй, гузар халқига такрорлаб келмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАКСА I [*нем.* Taxe — эълон қилиш, баҳолаш < *лот.* taxare — баҳоламоқ, баҳо, нарх қўймоқ] Давлат ёки ўз-ўзини бошқариш органи томонидан аниқ белгиланган товар баҳоси ёки меҳнат ва кўрсатилган хизмат ҳақи миқдори.

Такса бичмоқ (*ёки* **қўймоқ**) Қатъий баҳо, нарх белгилаб қўймоқ. *Шаҳар шўроси бутун хусусий уйларнинг ижара ҳақига такса бичиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТАКСА II [*нем.* Dachshund] Танаси узун, оёқлари калта ва қийшиқ бўлган, инда яшовчи жониворларни овлашга мослашган ов ити.

ТАКСИ [*фр.* taxi] Киракаш енгил автомобиль ёки юк автомобили. *Енгил такси. Юк ташувчи такси. Уйга таксида қайтмоқ.* ▬ *Бино ёнига такси келиб тўхтади, ичидан Ирода тушди..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАКСИЧИ Такси ҳайдовчиси, шофёр. *-Қаёққа, биродар? — шопмўйлов таксичи машинанинг қия деразачасидан мўралади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТАКСОМЕТР [такса I + *юн.* metreo — ўлчайман] Такси автомобилнинг қанча йўл босганлигини ва қанча ҳақ тўлаш кераклигини кўрсатувчи ҳисоблагич.

ТАКСОМОТОР *айн.* **такси.** *Таксомотор парки.*

ТАКСОНОМИЯ [*юн.* taxis — тартиб билан жойлашиш + nomos + қонун] Бутун борлиқнинг мураккаб, одатда, иерархик тузилмали соҳаларини (жонли табиат, Ернинг тузилиши; география, геология, тилшунослик, этнография ва ш.к. нинг объектларини) таснифлаш ва тартибга солиш назарияси, шу ҳақдаги фан.

ТАКСОФОН [такса + *юн.* phone — товуш] Ичига танга, жетон ташлаш билан ёки магнитли карта киритиш орқали ишлайдиган (гаплашиш мумкин бўлган) телефон аппарати.

ТАКТ [*нем.* Takt < *лот.* tactus — сал тегиниш; сезиш, ушлаб кўриб ҳис қилиш] **1** Мусиқа вазн бирлиги: мусиқа асарининг баравар вақт давом этадиган ҳар бир бўлаги. *-Ҳовлидаги бир туп атиргул ҳам шу қўшиқнинг тактига тушиб, аста тебранмоқда.. — деди қиз.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

2 *тех.* Бирор механизм иш циклининг бир бўлаги.

3 *тлш.* Нутқнинг бўғиндан катта (бир неча бўғиндан иборат), фразадан кичик бўлган фонетик бирлиги.

ТАКТАК Арпанинг бир тури; тоғарпа. *Ойша хола ҳам тандирга янтоқ, тактак унидан нон ёпишга уринаётганини ўйлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТА́КТИК I Тактикани яхши биладиган, тактикага моҳир.

ТАКТИ́К II Тактикага оид, тактика принципларига ва қоидаларига мос; тактикага асосланган, тактикадан келиб чиқадиган. *Тактик қоида. Тактик разведка.* ▬ *Тактик жанглар, машғулотлар тугагач, курсантлар фронтга жўнади.* А. Раҳмат, Фронт йўлларида. *Гуреевнинг бу тактик усули ҳам Шералига ёқмади.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАКТИКА [*юн.* taktike — қўшин тузиш, сафлаш маҳорати] **1** Ҳарбий санъатнинг жангга тайёргарлик кўриш ва жанг олиб бориш назарияси ва амалиётини ўз ичига олган таркибий қисми. *Дастлабки уринишлари беҳуда кетган немислар тактикани ўз-*

гартирдилар. Н. Сафаров, Оловли излар. *..алоҳида ўқчи батальон.. армия қисмларининг тажрибаларини, душман тактикасини ўрганиб, жангларга ҳозир бўлиб туриши керак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кўзланган мақсадга эришмоқ учун олиб бориладиган курашнинг муайян шароитга мос йўл ва воситалари, шакл ва усуллари. *Тактика билан иш олиб бориш, меҳнаткаш халққа таяниб.. улардан кўнгилли дружиначилар сафига тортиш керак.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТАКФИН [*а.* تكفين – кафанлаш, кафанга ўраш] Мурдани кафанлаш, кафанга ўраш. *Кечаси билан такфин чораларини кўриб.. ул жанобни дафн қилинди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ТАКФИНЛАМОҚ Мурдани кафанламоқ, кафанлаб тобутга солмоқ.

ТАКЯ I [*а.* تكيّه – бошпана, тураржой, макон; мусофирхона; етимхона; суянчиқ] шв. Ёстиқ, болиш; суянчиқ.

Такя қилмоқ Суянмоқ, таянмоқ. *Унинг* [*Азизбекнинг*] *қаторидаги иккинчи киши бошига катта салла ўраб, қамчи сопи билан эгарнинг қошига такя қилган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Икки тирсагини тиззаларига қўйиб, қўлларини энгагига такя қилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАКЯ II [*а.* تكيه – тураржой, макон, манзил] **1** Одамлар тўпланиб улфатчилик қиладиган жой. *Такяда ўтириб, энди битта чой ичиб бўлган эдим, қотмагина бир йигит келиб: -Қурбон ота сиз бўласизми? – деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *тар.* Банги ва кўкнорилар тўпланадиган жой; кўкнорихона. *Ўн йил ичида у* [*Мамарайим*] *кирмаган кўча қолмади. Наякини ўрганди, қора дори еди, такяларга кириб, кўкнори ичди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАКЯГОҲ [*а.* تكيّه‌گاه] **1** *айн.* **такя** II**, такяхона 2**.

2 *эск. кт.* Суянчиқ, мададкор, ҳомий. *Бу мажбуриятни ўзимга эътиқод қилганимдан эмас, балки сизнингдек оталарим, оғаларимга такягоҳ деб ишонганимдандир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Баъзилар эса неча такягоҳларига суянади, онасини, отасини, ҳатто бобокалонларини ишга солади.* Н. Ёқубов, Жон.

ТАКЯХОНА [такя + хона] **1** *тар.* Мусулмон мамлакатларида бой одамлар томонидан қурилган, мусофир, камбағал, уйсиз кишиларга вақтинча ётоқ, бошпана сифатида бепул хизмат кўрсатадиган меҳмонхона.

2 *айн.* **такя** II.

3 *дин.* Шиа йўналишига мансуб мусулмонлар ибодатхонаси, масжиди.

ТАЛАБ [*а.* طلب – излаш, қидириш; сўраш, исташ; хоҳиш] **1** Қатъият билан қилинган сўров, илтимос. *Лекин нима қилсин, раҳбарнинг буйруғи, талаби.* Ҳ. Шамс, Душман. *Замира кўпчиликнинг талаби билан ўрнидан турар экан, қизил атлас куйлагининг ранги юзига ургандай, қип-қизариб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Бажарилиши, бўлиши шарт ва тақозо этиладиган нарса (нарсалар). *Олий ўқув юртига кириш талаблари. Стандарт талабларига жавоб бермоқ.* ▬ *Бироқ жангнинг энг масъулиятли пайтида устав талабини бажариш имкони бўлмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мантиқ талаби шу эрур, шоҳим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Эҳтиёж, истак. *Унинг талаби катта. Маданий молларга талаб кучаймоқда.* ▬ *Ҳозирча у бу ҳужжат билан мамлакат талабини қондиришга – маориф фронтига боради..* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *иқт.* Харидор, истеъмолчининг бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги. *Муайян товарга ёки товарлар тўпламига барча харидорлар билдирган талаб йиғиндиси бозор талаби дейилади.* «ЎзМЭ».

5 *с.т.* Талабгор, хоҳловчи. *Талаб борми? У билан курашишга талаб чиқмади.* ▬ *Қилич келиб ялаб-ялаб, Икки ёв урушга талаб.* «Ширин билан Шакар».

6 *сфт.* Отларга бирикиб, ўша отдан англашилган нарсани истайдиган, унга муҳтож, талабгор маъносини билдиради (Бундай бирикмаларнинг аксарияти қўшма сўзга айланган). *Сув талаб экинлар. Изоҳ талаб ибора. Чопиқ талаб ғўзалар.* ▬ *Ўктамнинг қовжироқ лаблари чойталаб эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Чунончи, Алпомиш, Манас – умр бўйи тирноқ кўрмай, фарзанд талаб бўлиб юрган чол ва кампирнинг ўғиллари.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

Талаб қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) қатъий тарзда хоҳиш-истак, талаб билдирмоқ; сўрамоқ. *..кекирикка ҳам пора талаб қиладиган нафси наҳангларнинг куни битди.* «Муштум». *..Замиранинг қотилларига ўлим жазоси бе-*

рилишини талаб қиламан! С. Зуннунова, Гулхан; 2) тақозо этмоқ, шарт қилиб қўймоқ. *Шайбонийхон бугун қўлламоқчи бўлган усул яшин тезлигида ҳаракатланишни талаб қилади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Халқ ҳаётини ғоятда теран тасвирлай билиш муаллифдан катта истеъдод талаб этади.* Газетадан; 3) *шв.* талабгар бўлмоқ, истамоқ. *Суянган фарзандим, сен Ёдгоржоним, Болам, талаб қилма Аймоқ юртига.* «Ёдгор».

ТАЛАБА [*а.* طلبه – сўровчилар, талаб қилувчилар; ўқувчилар] Олий ёки ўрта махсус ўқув юрти ўқувчиси. *Мадраса талабалари «аъло», «авсат» ва «адно» номи билан уч гуруҳга бўлинган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Йигиталининг ҳамхонаси – ҳозир институт талабаси.. Ғолибжон уйга бориб келаман, деётгандай бўлувди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Билим юрти талабаларининг ҳаёти ҳар томонлама сермазмун ўтмоқда.* Газетадан.

ТАЛАБГОР [*а.* + *ф.* طلبگار] **1** Талаб қилувчи; истовчи, хоҳловчи. *Баковул даврага чорлади: -Насим полвонга талабгор бўлса – чиқсин!* Т. Мурод, Қўшиқ. *Талабгорлар кўп, аммо сизга ўхшаган катта олимлар иштирок этишини тайинлашган эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Келиб ҳар шаҳру қишлоқдан талабгор, Олурлар қанча бўлса илм даркор.* Ҳабибий.

2 *эск. айн.* **даъвогар 2.**

ТАЛАБНОМА [талаб + нома] Бирор нарсани талаб қилиб ёзилган хат, ҳужжат. *Талабнома ёзмоқ. Талабнома билан мол олмоқ.* ▬ *Участкалардан келиб турган талаблар, докладномалар.. янги-янги чизмалар сўралган талабномаларнинг саноғи бўлмайди баъзан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Қўлига қўшимча зарур материаллар ёзилган талабномани тутқаздим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ТАЛАБЧАН 1 Бажариш, амалга оширишни қатъий туриб талаб қилувчи, бу йўлда оғишмайдиган. *У деканнинг иш юзасидан ҳар қандай яқинликни йиғиштириб қўйишини, талабчан, қаттиққўллигини, ҳеч кимни аяб ўтирмаслигини яхши биларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ўртоқ Раҳимжонов ўз касбига муҳаббат билан қарайдиган, масъулиятни ҳис қиладиган, талабчан агрономдир.* Газетадан.

2 Юксак талаблар қўювчи, юқори даражани кўзлаб фаолият кўрсатишни талаб қилувчи. *Расмнинг тагига: «Ўжар шогирддан талабчан устозга» деб ёзилган.* «Гулдаста». *Талабчан, меҳнаткаш шоир Ҳамид Олимжон қисқа умри ичида жуда катта маданий мерос қолдирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Талаб жиҳатдан ва баҳолаш савияси юқори. *Талабчан китобхонлар.* ▬ *«Бир йилнинг тўққиз куни» фильми талабчан томошабинларимизнинг юксак дидига мосдир.* Газетадан. *Ҳа, йилдан йилга иш салмоғи ортиб боряпти, одамлар эса талабчан бўлиб кетишяпти.* «Муштум».

4 *кўчма* Кўп талаб қиладиган. *Бодринг – иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ТАЛАБЧАНЛИК Талабчан бўлиш, талабни бўшаштирмай иш тутиш. *Талабчанлик йўқлигидан бир йил мобайнида атиги учтагина мактаб текширилган эди.* Газетадан. *Ўз-ўзига қаттиқ талабчанлик билан уйғунлашиб кетган камтарлик одамнинг олийжаноб характеридан туғилади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ТАЛАЙ Анча, кўп, кўпгина. *Шу кўйи бошига тушган кулфатларни бир чеккадан айтишга чоғланди-ю, ташқаридан талай одамлар ўзларига боқиб туришганини кўрди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Домла талай вақтгача ухлай олмади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Бир талай Жуда кўп. *Олма, ўрик, олчалар Тўккан гулларин, Мевалари бир талай, Эгган бўйларин.* З. Диёр. *Эртаси кунига мезбонлар бир талай меҳмон чақиришган эди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

ТАЛАМОҚ 1 Зўрлик билан ёпирилиб тортиб олмоқ, олиб қўймоқ. *Қўқонни талаб, бизнинг устимизга қўшин тортиб келаётган.. Султон Аҳмад мирзо эса бизнинг подшомиз билан бир отадан бўлган оға-инилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Талашиб-тортишиб харид қилмоқ. *Янги китобни бирпасда талаб кетишди.*

3 Кўп бўлиб, биргалашиб ташланмоқ, ёпишмоқ. *Арилар таламоқ.* ▬ *Болалар бараварига Раҳимни талай бошлашди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

4 Киши ёки нарсага давомли (такрор-такрор) ҳужум қилмоқ, шу тарзда юлиб-юлқимоқ. *Ҳув анави ялангликка қаранглар!.. Унда одамзод суяги ётибди. Бечорани қашқир талаган бўлса керак.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 *кўчма с. т.* Қаттиқ уришиб бермоқ, юлиб-юлқиб ёпишмоқ. *Кичкина бир қизчадан дакки еган аёл Эргашойни талаб берди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

6 *кўчма с. т.* Таталамоқ, тирнамоқ, ғаш қилмоқ. [*Алишернинг*] *Кўнглини шубҳа, ғазаб, пушаймон ҳислари талар эди.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

Ичини ит (*ёки* **ари**) **таламоқ** Ўта бетинч бўлмоқ, безовталанмоқ. *Ҳамма ўз иши билан банд. Биргина Низомжоннинггина ичини ари талаяпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

ТАЛАНТ [*юн.* talanton – тарози; пул-ҳисоб бирлиги] **1** Юқори даражали туғма қобилият; истеъдод. *Бировларга суйкалиб эмас.. ўз меҳнати, таланти билан обрў олиши керак.* Мирмуҳсин, Умид. *Ноёб талант эгаси бўлган Юсуфжон қизиқ ўз халқининг азиз фарзандларидан биридир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Юксак қобилиятга, катта истеъдодга эга бўлган шахс. *Бизда яхши талантлар жуда кўп.* ▬ *Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби туғма талантлардан ҳар қанча ўргансанг арзийди.* М. Жўра, Ноширнома.

3 Юнонистон ва б. айрим қадимги давлатларда оғирлик ва пул ўлчови бирлиги. *Қадимги Римдаги кумуш ёмбилар бир талант оғирлигида чиқарилган.* «Фан ва турмуш».

ТАЛАНТЛИ Юқори даражали қобилиятга, талантга эга бўлган; истеъдодли. *Талантли бола. Талантли созанда.* ▬ *Ичи қора, ҳасадгўй киши ақлли ва талантли кишилардан ўрганиш ўрнига, уларга бахиллик қилади.* Р. Усмонов, Одобнома. *Халқ ўзининг талантли фарзанди Ҳамид Олимжонга ҳайкал қўйяпти.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАЛАНТСИЗ Таланти йўқ; истеъдодсиз.

ТАЛА-ТАЛА Ҳамма ёқдан тортқилаб талаш, ўзлаштириш; талон-торож, торт-торт. *Тала-тала бўлмоқ. Тала-тала қилмоқ.*

ТАЛАТИН, талитин *шв.* Чармнинг қалин бир тури. *Шу тобда бошида қора чўгирма, эгнида узун ипак тўн, оёғига талитиндан маҳси кийган Аваз ўрнидан туриб.. шеър ўқий бошлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАЛАТЎП Ур-йиқит, сур-сур ва ш.к. бесаранжом, нотинч ҳолат; тўс-тўполон. *Ўн минг уйли Қўнғирот талатўп бўлиб, Кашал элига, Қалмоқ юртига.. кўча бошлади.* «Алпомиш». *Содиқжон бойваччанинг ҳовлиси бирпасда талатўп бўлиб қолди. Зубайда ерда ётарди..* К. Яшин, Ҳамза.

ТАЛА-ТЎПОЛОН Шов-шув, шовқин-суронли ҳолат. *..уларни қишлоқ чегарасигача тала-тўполон билан кузатишди, кейин ҳалиги ашулани айтиб, қишлоққа қайтишди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Раис қўнғироқ чала бериб, тала-тўполонни сал босди-да, иккинчи жиноятчига – Азмиддинга ўтди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТАЛАФ [*а.* تلف – зарар, зиён; бузилиш, шикастланиш; ҳалокат; йўқотиш] Йўқ бўлиш, ҳалок, нобуд бўлиш. *Арзимаган сабаблар билан талаф бўлган жонларни ҳамиша кўз олдингда тут!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАЛАФОТ [*а.* تلفات – «талаф» с. кўпл.] **1** Урушда берилган қурбонлар; йўқотишлар. *Душман катта талафот кўриб, чекинишга мажбур бўлди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *..жангда энг катта талафот пиёдалар орасида бўлур, буни билурсенми?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Йўқотиш, ажраб қолиш; зарар. *Ер силкиниши ҳозир ҳам жуда катта талафотларга сабаб бўлмоқда.* Газетадан.

ТАЛАФФУЗ [*а.* تلفظ – сўзлаш, айтиш] Товуш ёки сўзнинг айтилиши, айтилиш хусусияти. *Унли товушларнинг талаффузи. Сўзни тўғри талаффуз қилиш.* ▬ *-«Олин-олин» эмас, «олинг-олинг» – «берите, кушайте» деган сўз, – деди Элмурод. -Ҳа, талаффузи қийин экан. Майли, ўрганиш мумкин. Ишқилиб, менга ўзбекча ўргатасиз, – деди Михайлов.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Киши исмлари имлосига хос бўлган яна бир хусусият шундаки, баъзи сўзлар исмга кўчгач, сўзнинг талаффузида ҳам айрим ўзгаришлар юз беради.* Э. Бегматов, Киши исмлари имлоси.

ТАЛАШ 1 Таламоқ фл. ҳар. н. *Босқинчилар шаҳару қишлоқларни талаш билан қаноатланмай, кўҳли қизларни чўриликка олиб кетишар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу кун – бозор куни, Хўжайлидан чиққан бозорчиларни талаш учун йўлтўсарлар шайланиб келаётган бўлсалар керак.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бирор нарсани қўлга киритиш йўлидаги зиддиятли олишув, жанг. *Ўзаро тожтахт талашлари Абдулатифни ёвуз инсонга, отасининг қотилига айлантиради.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Жанг боради олисда, Ер та-*

лаш, осмон талаш. «Шарқ юлдузи». *Қутлуғ Нигор хоним.. ўғлининг бу талашларга, адоватларга аралашмасдан, ўз мулкида осойишта ҳукм суришини истарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ўзиники қилиш учун ёпишиш, тиришиш ҳаракати (кам, етишмаётган нарсаларга нисбатан). *Вагонда жойлар талаш. Чувурчувур.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бутун бошлиқ колхозда битта универсал талаш.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Жанжал, низо. *Ўзаро талашлар, фитналар, фасод — Меҳнатни, савдони, қўшиқни эзди.* М. Шайхзода. *Ушбу дорга осилгувчи бетавфиқ, Авбошларга, осийларга бўлиб бош, Халқ ичига солди нифоқ ва талаш.* И. Султон, Номаълум киши.

5 Тортишув; баҳс, мунозара. *Яна ўртада хомушлик ҳукм суриб, Ҳасанали ишни тузукроқ очиш ва ё шу куйи қолдириб кета бериш талашида эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қай ҳунарни танлашга Болалар қотди боши. Ҳаммасини ўргансак, — Қайнар фикр талаши.* Қ. Муҳаммадий. *Куни билан унинг бошида фикрлар талаши авжга минди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

Тонг талаш Тонг отиш. *Тонг талаш пайт.. ой ётоғига отланаётган.. палла.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

ТАЛАШМОҚ 1 Таламоқ фл. биргг. н. *Шайбонийхоннинг қуюндай отлиқлари уларнинг.. кўчларини талашди, кўпларини аёвсиз ўлдиришди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ўзиники қилиш учун тиришиб ёпишмоқ, айтишмоқ, олишмоқ. *Жой талашмоқ.* ▬ *Талашиб, тортишиб, кўпроқ олган бир аёл ўз насибасидан Бувинисонинг косасига озгина солиб берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигит, бошлиқ билан пул талашиб, айтишиб қолгани эсига тушиб, яна зардаси қайнади.* М. Мансуров, Ёмби.

3 Даъволашиб уриш-жанжал қилмоқ, низолашмоқ, уришмоқ. *Тахт талашмоқ.* ▬ *Нега подшолар уришади? — Ер-сув талашиб уришади!* П. Турсун, Ўқитувчи. *..қайнсинглисининг уй-жойини талашиб нима қиларди? -Буниси ўзига аён.* Газетадан.

4 Баҳслашмоқ, тортишмоқ. *Деворга орқасини бериб, ёнма-ён турган ўрта ёшдаги икки аёл нима ҳақидадир талашмоқда эдилар.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Баҳслашадилар, ҳар ким ўз ёнидаги билан талашади.* А. Қодирий, Улоқда.

Бир қориндан талашиб тушган *қ.* **қорин 7**. **Бўй талашмоқ** Бўйи бараварлашмоқ. *Эртаиндин маккажўхорингиз ўзингиз билан бўй талашиб қолади.* С. Кароматов, Ҳаёт қандай яхши. *Йўл ёқасида бўй талашиб ўсган тераклар чўл шамолида оҳиста шовуллайди.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Гап талашмоқ** Ўзиникини маъқуллаб гап айтишмоқ. *Икки қизча мактабдан келаётиб, гап талашиб қолишди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. **Жон талашмоқ** 1) жон олиб, жон бермоқ; қаттиқ курашмоқ. *Олисда қонли уруш бормоқда, шаҳарлар ёнмоқда, одамлар ёвуз душман билан жон талашмоқда эдилар.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) ўлим олди талвасасида бўлмоқ. **Қон талашмоқ** 1) тўқ қизил, кўкиш қизил рангга кирмоқ. *У қон талашиб турган чўл уфқига сокин термилганча.. ётаверди.* С. Сиёев, Аваз; 2) бирор зарб таъсирида кўкиш рангда қон тўпланмоқ (киши танаси ёки унинг бирор аъзосида) ёки қонга тўлмоқ. *Қон талашган кўзлар.* ▬ *..қон талашган юзлари тирсиллаб ёрилиб кетгудай.* «Муштум».

ТАЛАШ-ТОРТИШ Қаттиқ баҳс, мунозара, тортишув. *Кўп талаш-тортишдан сўнг, у йигирма процентдан эмас, ўн уч процентдан беришга рози бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТАЛАШУВ 1 Талашмоқ фл. ҳар. н. *Талашувнинг ҳожати йўқ.*

2 Жанжал, тортишув. *Олимхоннинг «фазилатлари» саноқсиз: у, элликбоши бўлгани учун, ҳамма тўй, маъракаларга бурнини тиқади, маҳалланинг одамлари орасида юз берган ҳар хил жанжал ва талашувларга боши билан кириб кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАЛБИС [*а.* تلبيس — кийинтириш; қоплама, тўшама; ҳийла, макр, ёлғон] *эск. кт.* **1** Сохта, қалбаки, ёлғон. *Талбис васиқа.*

2 Айёрлик; ҳийла, найранг. *Шу кунгача айтган ёлғонларинг, қилган талбисларинг, еган ҳаром-харишларинг бас.* С. Айний, Қуллар.

ТАЛВАСА [*а.* تلوسه — ҳаяжон, изтироб, ташвиш] Эсанкираш, саросима ва ш.к. билан юз берувчи безовталик, ҳаяжонли ҳолат. *Мана энди.. талваса билан қалби тубига бекитиб келган сирини очиб қўйди..* Шуҳрат, Умр поғоналари. [*Ёрқиной*] *Дадасининг оқ қилишини аччиқ устидаги талваса деб*

биларди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Ярадорлар.. изтироб ва иситманинг зўридан талваса билан бирдан сачраб турар, сўнг ҳушсиз йиқилар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Жон талвасаси 1) ўлим олдидаги безовталик, жон талашиш. *Уларнинг учи* [*учтаси*] *ўлган, бири эса ҳали жон талвасасида эди.* О. Отабеков, Кам бўлмагур, ўғил; 2) қаттиқ безовталик, қўрқув, ҳаяжон. *У* [*эркак*] *аёлнинг билагидан ушлади. Аёл жон талвасасида: -Войдод, одам борми!? — деб қичқириб юборди.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. *..сайёд домидан ҳуркиган оҳудай жон талвасасида қочиб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТАЛВАСАЛАНМОҚ Талвасага тушмоқ, талвасада қолмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ. *Бўлмади, ўрнидан турди-да, ўринсиз ҳадиксираб талвасаланаётган.. йигитнинг сўзини бўлди.* Т. Алимов, Совға.

ТАЛЛИЙ [*лот.* thallium < *юн.* thallos — яшил новда] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушранг оқ металл.

ТАЛЛОН 1 Ўн икки ёшли от.

2 *кўчма* Жуда қари, мункиллаган чол. *Буни ҳайданг, қўя кўрманг! Бу чатоқ бир шумки, Қошу мижжангни териб, Кўсаю таллон қиладир.* Ҳамза.

ТАЛМЕҲ [*а.* تلميح — шама, ишора] *ад.* Шарқ мумтоз шеъриятидаги бадиий санъатлардан бири бўлиб, бунда шоир ўз шеърида аввалдан маълум ва машҳур бўлган қисса, воқеа ёки асарга ишора қилади, натижада ўз фикрини мухтасар баён этади.

ТАЛМОВСИРАМОҚ 1 Довдирамоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ. *Сабогул бу саволларнинг биронтасига жавоб тополмас, талмовсирар, нажот йўлини излаб, кўз ёшига зўр берарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ёдгор ўзи ҳақидаги ҳукмни ўзи ўқиган маҳбус каби талмовсираб қолган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Атайлаб ўзини шундай ҳолатга солмоқ, шундай ҳолатда тутмоқ. *Ўрталаридаги сирдан дастурхончининг хабардорлигидан ҳайрон бўлди, ўзини билмасликка олиб талмовсиради.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Чолнинг талмовсираётганини очиқдан-очиқ сезиб турарди у.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ТАЛМУД [*а.* تلمود < *қад. яҳ.* ламейд — таълимот] Яҳудийларнинг қадимги диний китоблар тафсиридан иборат қонун-қоидалар мажмуи, муқаддас китоби.

ТАЛМУДЧИ Масаланинг моҳиятини тушунмасдан, уни кўр-кўрона, юзаки ёдлаб олган шахс; қироатхон, ҳарфхўр.

ТАЛМУДЧИЛИК Қироатхонларча фикр юритиш; ҳарфхўрлик.

ТАЛОН I Ўзганинг мулкини талаб тортиб олиш; талаш. *Агар биронтамизнинг қуроғимиз узилса, чуввос кўтарамиз. Айниқса, узилган қуроқ бошқа маҳалладан бўлса, мен ва ўртоқларим у тушар-тушмас талашиб-тортишиб, талон қилиб олишга шошиламиз.* Ойбек, Болалик. *Кўрди кўп зилзила, селни, тошқинни, Кўрди кўп талонни, кўрди босқинни.* А. Обиджон, Кетмагил.

ТАЛОН II [*фр.* talon] **1** Бирор нарсани олиш, бирор жойга кириш ҳуқуқини берадиган назорат варақчаси. *Бензин талони.*

2 Ҳужжат (чек, ордер ва ш. к.)нинг ажратиб олинадиган ёки аксинча, у ажратиб олингач, дафтарда қолдириладиган қисми, дубликати.

ТАЛОН-ТОРОЖ [талон + *ф.* تاراج — ўғирлаш, талаш; ўлжа] Ҳамма ёқдан торт-қилаб талаш, ўзлаштириш, тала-тала, торт-торт. *Талон-торож юртни вайрон этди, мамлакат завол топди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Талон-торож, босди-босдилар товсиллаб, Самарқанд ёнида Бухоронинг ҳам бир қадар осойишта тургани туфайли йиллар тез кечаётгандай туюлар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАЛОНЧИ Талон қилувчи, таловчи, босқинчи. *Ким яхши кўради у талончи итларни?* И. Султон, Бургутнинг парвози. *Ваҳший талончилардан қаттиқ нафратланган Юсуфжон.. фурсат пойлаб, улардан ўч олишга интиларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ТАЛОНЧИЛИК Талон, талон-торож иши, ҳаракати. *Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига ғолибона юраётир.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАЛОТУМ [*а.* تلاطم — ўзаро тўқнашиш, урилиш; тўлқинларнинг бир-бирига урилиши] Тўс-тўполон, ғавғо. *Бутун бир қишлоқни талотум қилган Равшан исмли оёқяланг ушландими?* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ТАЛОҚ I [*а.* طلاق — ажралиш, хотин билан ажралиш, қўйиш] **1** Никоҳни бузиш,

бекор қилиш ҳақидаги эр томонидан айтиладиган сўз; бу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятидан тўла озод қилади. *«Талоқ» сўзини эшитган Кумушнинг кўзи ярқ этиб очилиб, яна юмилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Талоқ қилмоқ «Талоқ» сўзини айтиб, никоҳни бузмоқ. *Хотин қилиш қўлингиздан келмаса, талоқ қилинг!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. **Уч талоқ** Уч марта талоқ; узил-кесил ажралиш (бу ҳолда шариат қоидасига кўра, хотин то бошқа эрга никоҳланиб, яна ажралмагунча, ўз эри билан ярашуви мумкин эмас). *Уста Абдураҳмон қизларни кўп уради. Бир куни Нисо буви: -Урсангиз, ўша дўконингизга олиб бориб уринг, — деганида, уста: -Ҳа, жонинг ачийдими, бундан кейин мен ураётганда, кулиб турмасанг, уч талоқсан.. — деб юборди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. **Талоқ хат(и)** *қ.* **хат 9**.

2 *Қиз, хотин* каби сўзлар билан қўлланиб (одатда қўшма сўз сифатида), шу сўзга нисбатли сўкишни, ҳақоратни билдиради. *Мен ахир сингли талоқни жўрттага қоптирдимми?* А. Қодирий, Обид кетмон. *Тирноқча жойимни сен хотинталоққа бермаганим бўлсин.* Ойбек, Танланган асарлар. *..ҳе, гап билгунча иш билгин, баччаталоқ!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАЛОҚ II *айн.* **қоражигар 1.** *Қўй сўйилиши билан қорин қисмига ёпишиб турган талоғини аста кўчириб оламиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ТАЛОҚНОМА [талоқ + нома] Талоқ қилинганлик тўғрисида эр томонидан ёзилган мактуб, ҳужжат. *Бу ишларингиз фойдасиз чиққач, исмимдан талоқнома ёзиб, икки йиллаб рафиқамдан айириб туришга муваффақ бўлдингиз, бу орада гуноҳсиз бир йигитни ҳам ўлдирдингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАЛОҚСИЗ Талоқ қилинмаган, талоқ хати берилмаган ёки олинмаган (*қ.* **талоқ** I). *«Кишининг хотинини талоқсиз чиқариб олда, бугун эрга бер!» деди* [*Отабек*] *ва телбаларча нима учундир кулиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАЛПАНГЛАМОҚ Лапангламоқ, лапанглаб юрмоқ.

ТАЛПИНМОҚ 1 Қанот қоқиб, қўлларни қанот каби ёйиб, олдинга интилмоқ. *Учишга талпинаётган қушдек юраги ҳаприқаётган Зулфиқорнинг ҳаяжонини Меъмор яхши сезиб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Дадасига талпиниб турган Кимсанни Зебинисо эрига узатди-да.. тўрт томонга қарай бошлади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Умуман, олд томон ҳаракат қилмоқ, ташланмоқ. *Мен ўзимни вагондан отдим, мени кўриб, Саломат ҳам олдинга талпинди.* О. Ёқубов, Излайман. *Йигитали.. ҳушидан кетаёзган қизчани маҳкам бағрига босиб, ташқарига талпинди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Машина ўжарлик билан олдинга талпинади қумликдан, чангдан.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *кўчма* Эришиш, етишиш йўлида, ҳаракатида, мақсадида бўлмоқ; интилмоқ. *Аваз Мутрибни.. бир меҳр билан суяди, унга ҳамиша қалбан талпинади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бундай пайтларда яшил кўкат қанчалик кўзни қувонтирса, шўрхок таъбни шунчалик хира қилар, бамисоли бири ҳаётга талпинса, иккинчиси уни бўғмоқчи бўларди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..шон-шуҳратга, амалга талпинаётган кимсаларнинг қилмиши кўнглини оздирди, ғазабини қайнатди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАЛТАЙМОҚ 1 Мағрурланиб ўзини йўқотмоқ, кеккаймоқ. *Камтар бўл, талтайма, кеккаймагил тик! Дўст учун заҳар ют, ширин жонни тик!* Ё. Мирзо. *Муваффақиятлар ҳар қанча катта бўлганида ҳам, раҳбарнинг талтайиб ва кибрланиб кетишга ҳақи йўқ.* Газетадан.

2 Оёқ-қўлларни ёзиб, ялпайиб ўтирмоқ, ётмоқ, ястанмоқ. *Талтайиб ўтирмоқ.* ▬ *Ўктам тонг отгандан сўнг қалин, юмшоқ тўшакда талтайиб ётгиси келмади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Сийлаган, ҳурмат-иззат қилган ёки эркалаган сари ҳаддан ошмоқ, суюлмоқ. *Талтайиб ўсган бола. Эрка тутса онаси, талтаяди боласи.* Мақол. ▬ *Меъмор бўлса икки шогирднинг сал қуюшқондан чиқиб, талтайишаётганидан энсаси қотиб келарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ундақа талтайманг. Индамаганим сайин, қуюшқондан чиқиб кетяпсиз.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТАЛТАНГЛАМОҚ *шв.* Лапангламоқ, лапанглаб юрмоқ. *Бу одам азбаройи семизликдан, юрса — талтанглаб, гапирса — узлуксиз пишиллар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАЛХ [*ф.* تلخ — аччиқ; ёмон] Тахир, аччиқ. *У далани соғинар.. буғдойзор гашти, андак талх исли сўлиган бедалар учун жонини беришга тайёр эди.* С. Сиёев, Аваз. [*Чалоб*]

Қудуқ сувига чалинган бўлса керак, бир оз талх. С. Нуров, Нарвон.

ТАЛХА [*ф.* تلخه – зардоб, сафро; аччиқ алаф уруғи] *айн.* **какра 1**.

ТАЛЪАТ [*а.* طلعت – ташқи кўриниш; қиёфа, сиймо] **1** *эск. кт.* Юз, чеҳра; қиёфа. *Оҳ тортсам, сарғайди гулдайин талъат..* «Гулшанбоғ». *Нечуккким, менга нурли талъатинг жаннат билан тенгдир.* Э. Воҳидов.

2 Талъат (эркаклар исми).

ТАЛЬК [*нем.* Talk < *а.* طلق] Оқ ё яшилга мойил, қат-қат тузилган юмшоқ минерал (техникада ва тиббиётда одатда кукун ҳолида ишлатилади). *Ўзбекистонда олтингугурт, фосфорит, тальк, дала шпати.. каби минерал хомашёлар ҳам бор.* М. Зокиров, Бебаҳо хазиналар.

ТАЛҚИН [*а.* تلقين – ўқитиш, ўргатиш; ўгитлаш; аниқ қилиб тушунтириш; ўқиб, билиб ўзлаштириб олиш] **1** *дин.* Диний ваъз, таълим. [*Шум бола:*] *Биз аввал хонақоҳга кириб бордик. Қаландарбоши эшикдан.. талқин бошлаб кирди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Шунинг учун ёлғиз ибодат, дуо, талқинлар кифоя қилмайди. Қатъий ҳаракат керак! Ҳаракат!* Н. Сафаров. Шарқ тонги.

2 Мазмун, моҳиятини тушунтириш; шарх. *Диловарим, далаларим, эҳромларим олтиндан, Сўз тополмам, баланд турар таърифлардан, талқиндан.* Э. Охунова, Икки океан оша. *Расулжон хайрлашиб кетгандан кейин ҳам, унинг талқинини ҳар ким ўзича изоҳлаб, узоқ баҳслашиб ўтиришди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Образ ёки мусиқий асарнинг ўйновчи, ижро этувчи томонидан ёритилиши, ижроси. *Маждиддин образи Обид Жалилов талқинида шу қадар салмоқли чиққанки, усиз спектаклни тасаввур қилиш қийин.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

Талқин қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) диний ваъз-насиҳат қилмоқ; 2) тушунтирмоқ, изоҳламоқ, талқинини бермоқ. *Аммо, бари бир, суиқасдни ҳар ким ҳар хил талқин этарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Демак, у Шокир акага тақлид қилишдан қочиб, ролни ўзича талқин этган.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

4 *мус.* Шашмақомда асосий куйнинг мустақил қисми. *Талқини баёт. Талқини наво.* ▬ *Созанда бир жуфт нағма чалиб, талқинга ўтди. Ҳофиз йигит.. овози ширали, юракларни сел қилиб, тингловчиларни ерга қаратиб қўярди.* С. Сиёев, Аваз.

5 *шв.* Қўшиқ, ашула. *Эрта саҳар тушар тонгнинг салқини, Пахтазорда хотин-қизлар талқини.* «Қўшиқлар».

ТАЛҚИНЧИ 1 *дин.* Ваъз-насиҳат ўқувчи; воиз, ваъзгўй.

2 Талқин қилувчи, шарҳловчи.

3 *шв.* Қўшиқчи, ашулачи, хонанда.

ТАМА [*а.* طمع – кучли истак, тилак, орзу; ҳирс, очкузлик,] (*охирги* а – *чўзиқ*) **1** Бировдан бир нарса ундириш ҳисси, ўзиники қилиш, олишга бўлган интилиш. *..ундаги шуҳратпарастлик, тама олдида подшоҳларга тиз чўкишдан ҳам.. қайтмаслигини кўпчилик биларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. М*ансабингдан манфаат, дастурхонингдан тама излаб ёндашган – дўст эмас.* Р. Усмонов, Умр сабоқлари.

2 Умидворлик, умид, илинж. *-Балки бегингизнинг тамалари хон қизидадир, – деди истеҳзо билан Ҳомид.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тама қилмоқ 1) бировдан бирор нарса кутмоқ, бировдан ўлжа олишга интилмоқ, кўз тикмоқ. *Бир-бирларидан ҳеч нарса тама қилмай дўстлашишлари икковини ҳам чинакам бахтиёр қиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Махдум бу ерда ўқиётган икки муллавачча учун Қорабулоқдаги вақфдан ҳам тама қилмоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) умидвор бўлмоқ, умид қилмоқ; толиб бўлмоқ. *Шунча азамат йигит турганда, сен бола, посёлканинг олд қизига тама қилиб келсанг-а!* П. Қодиров, Қадрим.

ТАМАГИР [*а.* + *ф.* طمعگير – бирор нарса олишга интилувчи; очкўз, манфаатпараст] Бировдан ўлжа олишга, тама қилишга ўрганган, тама қилувчи. *Тамагир одам. Тамагир бўлмоқ.* ▬ *Солиҳ махдум хасис, тамагир, ҳар ҳолда.. уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Учинчи бир туркум одамлар борки, ҳатто уйига меҳмонга бориб қолсанг ҳам, қўлингга қарайди. Бундай одамни тамагир, порахўр, деявер.* Ё. Шукуров, Қасос.

ТАМАГИРЛИК Бировдан бир нарса кутиш ва шунинг илинжида бўлиш; шу мақсаддаги хатти-ҳаракат. *Тамагирлик билан қарамоқ.* ▬ *Тамагирлик инсон ҳамиятини ерга уради.* Газетадан.

ТАМАДА [*груз.* tamadoba – тўй, зиёфатга катталик (бошчилик) қилиш] Ўтиришларда, зиёфатда ичкилик қуйиб, қадаҳ сўзи (тост) айтувчи; соқий, косагул. *Маруся келиб ўтириши билан Ҳайдар сўз бошлади: -Мени тамада қилиб қўйишди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ТАМАДДИ [*а.* تمتّع – роҳатланиш, ҳузурланиш; фойдаланиш ҳуқуқи] **1** Бирор нарса еб олиш, овқатланиш. *Нонуштада Эгамберди бобо нонини дастурхонга қўйса, пешиндаги тамаддида у белбоғини ёзарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Енгил таом; егулик. *Бир одамнинг бир кунлик тамаддиси бир кап қўғирмоч бўлиб, ёмон кунларни не ҳасратда ўтказишарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Калла, бу – сўйилган ҳайвоннинг боши, ундан шўрвалар, яхна тамаддилар тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Карамдан тайёрланган турли тамаддилар инсон саломатлигига жуда фойдали, уни бардам ва тетик қилади.* Газетадан.

Тамадди қилмоқ Бирор нарса еб олмоқ, озгина, енгилгина овқатланиб олмоқ. *Бир оз тамадди қилганларидан кейин, гапнинг мавзуси ўзгарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *-Йигитали.. кўча беткайидаги кичкина кафеда тамадди қилди. ўзимиз ҳам тамадди қилиб олайлик, – деди Махсум пешин намозига ҳозирлик кўраётиб.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАМАДДИЛАНМОҚ Енгил-елпи овқатланмоқ, бир оз овқатланиб олмоқ.

ТАМАДДУН [*а.* تمدّن – маданият; цивилизация] *эск. кт. қ.* **маданият.** *Ҳаваскори тараққий ва тамаддун қаҳрамон ёшлар.* С. Хондайлиқий, Навбаҳор. *Туркияда .. жаҳоннинг икки буюк тамаддуни – Ғарб ва Шарқ цивилизацияси учрашган.* Газетадан.

ТАМАДДУНЛАШМОҚ *эск. кт. қ.* **маданийлашмоқ.**

ТАМАКИ [*а.* تمباك *ёки ф.* تماكو < *исп.* tabaco] Йирик баргли ўтсимон ўсимлик ва шу ўсимликдан қуритиб тайёрланадиган чекимлик. *Аччиқ тамаки. Кучсиз тамаки. Тамаки маҳсулоти. Тамаки чекмоқ.* ▬ *1958 йилда 120 гектарга тамаки экилган эди.* «Муштум». *Эмин унга тамаки халтасини узатди: -Хуморингни ёз, ошнам, қўлбола тамаки.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАМАКИДОН Тамаки солиб қўйиладиган идиш. *Тамакидондан тамаки олмоқ.*

ТАМАКИЗОР Тамаки экилган ер, майдон.

ТАМАКИКОР Тамаки экувчи ва етиштирувчи деҳқон ёки хўжалик. *Ургут тамакикорлари режани ўз вақтида бажардилар.* Газетадан.

ТАМАКИКОРЛИК Тамаки етиштириш, тамакичилик.

ТАМАКИФУРУШ Тамаки савдоси билан шуғулланувчи киши.

ТАМАКИЧИ 1 *айн.* **тамакикор.**

2 *айн.* **тамакифуруш.**

ТАМАКИЧИЛИК *айн.* **тамакикорлик.** *Совхоз тамакичиликдан «атиги» 380 минг сўм зарар қилди.* «Муштум».

ТАМАКОР *кам қўлл. айн.* **тамагир.** *Тамакор одам.* ▬ *Унинг [муллaнинг] тамакор кўзлари юзимизга эмас, чўнтагимизга қадалган эди.* Газетадан.

ТАМАЛ [*а.* تملى – доимо, ҳамиша; чидам, бардош] *эск. кт.* Негиз, асос, пойдевор. *Тамал солмоқ (қўймоқ).* ▬ *Ҳақиқат тамалини қулатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ зарур.* Ойбек, Навоий.

Тамал тоши Пойдевор, асос, фундамент. *Тамал тошини қўймоқ.*

ТАМАЛАНМОҚ *кам қўлл.* Тама қилмоқ, умидвор бўлмоқ.

ТАМАЛЛУҚ [*а.* تملّق – хушомад, сермулозаматлик; ялтоқилик] *эск.* Ҳаддан ортиқ такаллуф кўрсатиш, сермулозамат бўлиш; хушомад қилиш, ялтоқилик, тилёғламалик. *Икки меҳмон тарафларидан ўзига қилинган фавқулодда тамаллуқ ва мулозамат, табиий, уни ўйлашга мажбур қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАМАННО [*а.* تمنّا / تمنّى – тилак, истак, орзу] Ноз-ишвали ҳаракат. *Ёр таманноси.* ▬ *Ажойибдир таманноси, таманносин бор маъноси.* «Қўшиқлар». *Ўз ҳуснига ўзининг рашки келаётгандай, таманно билан сочини тараяпти.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Таманно қилмоқ (*ёки* **этмоқ, айламоқ**) 1) ноз-ишва, карашма қилмоқ. *Бувижон, кўз эркакларга гўзалликни таманно қилиш учун берилган,* Мирмуҳсин, Югурдак; 2) *эск.* истамоқ, тиламоқ, сўрамоқ. *Кўз нуримизнинг дуои жонини субҳи шом.. таманно этмоқдамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) орзу қилмоқ. *Қайга мен бошим урай ҳам қайда ғавғо айлайин, Қайси бир лутфу карамларни таманно айлайин.* С. Абдулла.

ТАМАННОЛИ Ноз-ишвали, карашмали. *Таманноли нозанин. Таманноли кўзлар. Таманноли қилиқлар.*

ТАМАЧИ *айн.* **тамагир.** *Тамачи одам.*

ТАМБА Эшикни бекитиш учун унинг орқасидан тиралган ёки тираладиган тахта, ёғоч ва ш.к. *Эшикка тамба қўймоқ.* ▬ *Зулфизар катта дарвоза томон отилди. Тамбасини олиб ташлаб, ўзини қалишзор қўйнига урди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТАМБАЛ *с. т.* Танбал. *Сен тамбалга берган томоғим ҳаром бўлсин..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТАМБАЛАМОҚ Тамба қўймоқ, тамба тираб бекитмоқ. *Дарвозани тамбаламоқ.* ▬ *Кўча эшикни ичидан тамбалаб, ҳовли томон юрди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТАМБУР [*фр.* tambour – гумбазнинг асос (айлана) қисми; доира] **1** *т.й.* Темир йўл вагонининг кираверишдаги даҳлизчасимон бўлмаси. *Алоҳида вагонга қўшимча соқчилар қўйди. Ўзи ҳам шу вагон тамбурига кўчиб ўтди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *архит.* Биноларнинг ташқи эшиклари олдига қурилган кичик хона, даҳлиз.

ТАМИЗ [*а.* تمييز – имтиёз бериш; фарқлаш; соғлом фикр; фаҳм-фаросат] Ўз билиги, ақли, фаросати билан тегишлича иш тутиш қобилияти; фаҳм, фаросат. *Тамизи йўқ одам.* ▬ *-Тамизи бўлса, ўшанинг ўзи калтак, – деди-да, бирпас қулоқ бериб ўтирди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Бу факт ва далиллар олдида ўжарлик қилиш ақл ва тамиздан эмас.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТАМИЗЛИ Ўз билиги, ақли, фаросати билан тегишлича иш тутувчи; фаҳмли, фаросатли. *Тамизли бола.* ▬ *Ҳали ҳеч ким кўрмаган бўлса ҳам, Мухторхон домла ёқтиргани учун, жуда ақлли, тамизли аёл чиқиши муқаррар бўлган келинни ҳамма ғойибона яхши кўриб қолди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

ТАМИЗСИЗ Тамизи йўқ; бетамиз, бефаросат. *Тамизсиз одам.*

ТАМКИН [*а.* تمكين – мустаҳкамлаш; маҳкамлаш; имконият, ҳақ-ҳуқуқ бериш] **1** Салобат, савлат, савлатлилик.

2 Сабр, қаноат; оғирлик, вазминлик. *Жангларда зафардор – Халқимга бўлиб ёр, Ҳар ишда мададкор, Тамкину қарорим.* Ҳабибий. *-Қўрқманг, – деди Асрорқул тамкин овозда; у сиртдан вазмин кўринарди.* Н. Қиличев, Ёронгул.

ТАМЛИ Тами яхши; тотли, мазали. *Тамли овқат.* ▬ *Биринчи марта ўз меҳнатим.. билан тайёр бўлганиданми ёки ҳаддан ортиқ очиққанимданми, ҳар ҳолда, у кунги қўзиқорин қовурдоғи гўшт қовурдоғидан ҳам тамлироқ туюлди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Бу Амударёнинг тамли балиғи, Балиқнинг лаққаси, ўбдан ёғлиғи.* Миртемир.

ТАМОЙИЛ [*а.* تمايل – тебраниш, чайқалиш; ўзгариб туриш; ўзгарувчанлик; мойиллик] *эск. кт.* **1** Майл, мойиллик. *Ваҳший халқларда қонхўрликка тамойил зўр бўлади. Бу – шубҳасиз ҳақиқат!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор соҳада тартиб, қоида тусини олган нарса, тадрижий йўналиш. *Халқ афсоналарида реалистик тамойил шу тарзда тобора кучайиб борди.* «Фан ва турмуш». *..бозорларимизда ўша азалий удумларимизни, тамойилларимизни тиклаш, бозорни миллий қадриятларимизнинг кўзгуси сифатида намоён қилиш лозим.* Газетадан.

ТАМОМ [*а.* تمام – тўлиқ, мукаммал; охир, интиҳо, ниҳоя] **1** Охир, поён, ниҳоя. *Иш тамомига етди. Ҳикояни тамомига етказмоқ.*

Тамом бўлмоқ 1) охирига, поёнига, ниҳоясига етмоқ, тугамоқ. *Дарс тамом бўлди.* ▬ *-Олтин ўтда билинади, – деди Собирахон, – уруш тамом ҳам бўлар, ўйин-кулги учун тўпланганимизда, бу кунлар эртакдай бўлиб ҳам қолар.* А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) битмоқ, қўлдан чиқмоқ, тайёр бўлмоқ. *Қурилиш тамом бўлди;* 3) ишлатилиб, сарфланиб, истифода қилиниб одоқ бўлмоқ, тугамоқ. *Пул тамом бўлди. Вақт тамом бўлди.* ▬ *Занжирли реакция ғоят даражада тезлик билан ривожланади ва парчаланувчи материалнинг ҳаммаси тамом бўлгунига қадар давом этади.* «Фан ва турмуш»; 4) *кўчма* дард-алам тортиб, кулфат чекиб, куйиб ёки ёниб адо бўлмоқ, тугамоқ. *Майли, болам, бошга тушганни кўз кўрар, дейдилар. Мени қўйиб, ўзингни ҳам бир ўйлаб қўй. Бу ташвишлардан тамом бўлдинг-ку, болам!* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам – дилим; 5) синмоқ, абгор бўлмоқ. *Еган еб кетди. Ичган ичиб кетди. Аммо Абдувосеъ шу битта тўй билан тамом бўлди.* «Муштум». **Тамом қилмоқ** 1) охирига, поёнига, ниҳоясига етказмоқ. *Аҳмедов капсанчиларни колхоз тузишга чақириб, сўзини тамом қилди.*

Савол-жавобга ўтилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) битирмоқ, қўлдан чиқармоқ, тайёр қилмоқ. *Мактаб қурилишини сентябргача тамом қиламиз;* 3) ишлатиб, сарфлаб, фойдаланиб одоқ қилмоқ; тугатмоқ. *Ресурсларни тамом қилмоқ.* ▬ *Пул десанг — саноғи йўқ.. Санаб тамом қилиб бўлмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 4) ўқув юртида ўқиб чиқмоқ, битириб чиқмоқ, ўқув юртини тугатмоқ. *Университетни тамом қилган киши;* 5) *кўчма* адо қилмоқ. *Ўғлининг ташвиши кампирни тамом қилди;* 6) *кўчма* ўлдирмоқ. *Тўқсоновнинг мерганлик ҳаваси қўзиб, дарров Дадабойнинг елкасидаги сочма милтиқни олди-да, типирчилаётган итни бир отишда тамом қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 7) *кўчма* синдирмоқ. *Битта тўй уни тамом қилди.*

2 Тамомила, бутунлай, батамом. *Тамом эсдан чиқармоқ. Тамом ишонмоқ.* ▬ *Элмурод маъюс бир неча қадам босди. «Йўқ, — деди ичида, — бу мен билган, мен синаган Фотима эмас. Энди ўзгариб, тамом бошқа бўлиб қолган».* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ярим кечага борганда, душман тамом ҳолдан тойиб, чекинишга мажбур бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Зайнаб ҳам тамом ипакларга кўмилиб ясанган..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *олм.* Бутун, барча, тамоми. *Тамом халқ мажлисга йиғилди.* ▬ *Юсуфбек ҳожининг Нормуҳаммад қушбегига юборган чопари Кировчи яқинида унга етган ва қушбегини тамом сипоҳлари билан Тошкентга қайтарган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..қалампирмунчоқни гулобга ивитишиб, келиннинг тамом баданига суртишар эмиш.* К. Яшин, Ҳамза.

4 *кесим взф.* Якунига етганлик, битганликни билдиради. *Тамом, хўжайин, ана, шай қилиб қўйдим.* К. Яшин, Ҳамза. *Шаҳзодахон эрига кўзларини ўқдек қадаб, тантанавор қараб тураверди. Бир зарб ўлса, тамом.* К. Яшин, Ҳамза.

5 *юкл. взф.* Таъкид, кучайтирувни билдиради. *Дадам ичиб келдими, тамом, дарров қилдан қийиқ чиқариб, ойижонимни дўппослашга тушарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Шундан қўрқдими, тамом, ўлимдан қўрққани бўлади. Ўлимдан қўрққан киши қаҳрамон бўлолмайди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Адойи тамом бўлмоқ *қ.* **адойи**. **Гап тамом** Бўлди, гап тугади, бошқа гапга ўрин йўқ. *Шу билан «гап тамом» дегандек.. сайр қилиш учун дарахтлар остидаги йўлдан ичкари томон йўналди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТАМОМАН *рвш.* Тўлиқ равишда; бутунлай, тўла, буткул. *Хатар тамоман йўқолди. Қарздан тамоман узилди.* ▬ *Сафар бўзчи гинани тамоман кўнглидан ювиб ташлаган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қизнинг анор юзлари, тиниқ дудоқлари, нозик бели уни тамоман бехуд этган эди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ТАМОМИ(Й) Ҳамма, барча, бари. *Тамоми(й) халқ майдонга йиғилди.* ▬ *Фақат хотиннигина эмас, ер-сувни, тамоми давлат ва ашқол-дашқолларини билан тортиб олмоқчи.* У. Исмоилов, Сайланма.

ТАМОМИ(Й)ЛА *рвш.* Бутунлай, тамоман. *Аҳвол тамоми(й)ла ўзгарди.* ▬ *Замира эса унинг тамомила акси.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАМОМЛАМОҚ 1 Охирига, поёнига, ниҳоясига етказмоқ. *Маърузани тамомламоқ.* ▬ *Ҳожи ўзидан ошириб сўзлаган бу сўзларини шу гап билан тамомлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Битирмоқ, қўлдан чиқармоқ, тайёр қилмоқ. *Яна бир ғайрат қилиб, ГЭСни битириб олсак, колхозчилар каналн и тамомлаб, сувни бизга келтириб берсалар, марра — бизники.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

3 Ишлатиб, сарфлаб, фойдаланиб одоқ қилмоқ, тугатмоқ. *Маблағларни тамомламоқ. Захираларни тамомламоқ.* ▬ *Қизиқ, биз пахта етилмай.. ҳосилни қарз-қурз, бўнак билан тамомлаймиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Ўқув юртини битирмоқ, тугатмоқ. *Институтни тамомлашим билан орзум амалга ошди. Мен энди киноактрисаман.* «Муштум».

ТАМОШО [*а.* تماشى — бирга юриш, сайр қилиш] *қ.* **томоша**. *Агар укалари Салимбойвачча ҳам улфатларини бошлаб чиқса, тамошони унда кўрасиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАМСИЗ Тами, мазаси йўқ; бемаза, тотсиз. *Тамсиз овқат.*

ТАМСИЛ [*а.* تمثيل — томоша, ўйин; ўхшаб кетиш; ўрнак, намуна олиш; мисол қилиб келтириш] *ад.* Мумтоз адабиётда: байтнинг биринчи мисрасида ифодаланган фикрга далил сифатида иккинчи мисрада ҳаётий бир ҳодисани мисол қилиб келтиришга асосланган бадиий санъат.

ТАМТАМ I **1** Қадди-қомати келишган ва зебо. *У ниятига етди. Қишлоқнинг тамтам қизига уйланяпти.* С. Аҳмад, Уфқ. *..ой қизлар, тамтам келинчаклар Ватан мудофаасига жўнашди..* Г. Нуруллаева, Юрак ёнмоғи керак.

2 *кўчма салб.* Ўзига, кийим-бошига зеб берган; башанг, олифта. *Номи Мўтти бўлса ҳам, кўп йигитларни лақиллатганидан «лўтти» деб ном олган бу қиз шаҳардаги энг тамтамларнинг бири экан.* С. Аҳмад, Мўтти. *Жуда олифта, тамтам йигит экан, шимимнинг тахи бузилмасин дебми, айвонга ҳам чиқмай.. курсида ўтириб, фотиҳа ўқибди.* Ҳ. Назир, Кўктерак чироқлари.

ТАМТАМ II [*фр.* tam-tam < *ҳинд.* – товушга тақлид сўз] Катта мис баркаш шаклидаги, таёқча билан уриб чалинадиган мусиқа асбоби; гонгнинг бир тури. *Чўчима, раққоса! Тамтам сасидан.* Ҳ. Шарипов.

ТАМТАРОҚЛИ [*ф.* طمطراق – дабдаба, ҳашамат; серҳашамлик] Дабдабали, баландпарвоз. *Тамтароқли иборалар.* ▬ *Паншев унинг тамтароқли сўзларини таржима қилгандан кейин, пристав мутаваллини қўлтиқлаб, тахт ёнига борди.* М. Осим, Элчилар.

ТАМУҒ *эск. дин.* Жаҳаннам, дўзах. *Оқни қаро деганлар ул тамуғга кирмишлар.* Аҳмад Яссавий.

ТАМШАНМОҚ 1 Бирор нарса еяётган, чайнаётгандек, оғиз очмай, лабларини қимирлатмоқ; оғзидагини тотиб кўраётгандек бўлиб, лабларини очмай чайнамоқ. *Элмурод қўл чўзиб, мошкичиридан жиндек оғзига солди-да, бўйнини қисиб, ерга қараган кўйи, секин тамшанди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оғзидаги туршакни у лунжидан бу лунжига ўтказиб, тамшаниб, чайнаб ўтирарди.* Мирмуҳсин, Дорбозлар.

2 Тотигиси келиб, лаб-лунжини қимирлатмоқ. *Умида қуруқшаб бораётган оғзини очиб тамшанар.. эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Шайхнинг барзанги хизматкори мўлкўл таомни кўриб тамшанди.* С. Сиёев, Аваз. *Нормамат хўрозқандга тўймаган боладай тамшаниб қолди.* «Ёшлик».

ТАМҒА 1 Нарса, мол, маҳсулот ва ш.к. ни ажратиш, ҳисобга олиш ёки уларнинг кимга тегишлилигини кўрсатиш учун қўйиладиган, босиладиган белги. *Фабрика тамғаси.* ▬ *Окопдан қараб турган Нормат уларнинг* [*самолётларнинг*] *қанотларидаги қизил юлдуз тамғаларини кўриб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тошкент тамғаси босилган чинни буюмларни Ўрта Осиё республикаларининг барча хонадонларида учратиш мумкин.* У. Маъруфов, Устоз.

2 Қадимда маҳбусларнинг танасига белги қўйиш, босиш учун қиздириб ишлатилган асбоб ва шу асбобни босишдан ҳосил бўладиган белги, из. *Боланинг билагига ёпишиб қолган тамғани Наби полвон, эритилган сурғуч устига босилган печатдек, зўрға узиб олди.* С. Айний, Қуллар.

3 От, мол ва ш.к. нинг танасига ёки тана аъзоларидан бирига белги босиш учун қиздириб ишлатиладиган асбоб ва шу асбобни босишдан қоладиган белги, из. *Отга тамға босмоқ. Қўйнинг қулоғидаги тамға.*

4 Очиш, бузиш ва ш.к. га қарши қўйиладиган белгили нарса, сурғуч. *Ҳайдарқул оддий ўғрилардан эмас, у мен тамға босиб қўйган чошдан арпа ўғирлаган.* С. Айний, Қуллар.

5 *айн.* **герб.** *Саодат беҳисоб тангалар орасида ўз тангасини таниб турибди; унинг.. тамғаси сув остида Саодатнинг кўзига ўзгача ярқирамоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

6 *кўчма* Нимадандир қолган, унинг белгиси бўлган нарса, асар, из. *Азоб-уқубатлар тамғаси.* ▬ *Уларда* [*тарихий обидаларда*] *кўп замонлар ва динларнинг тамғаси бор.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Хотинининг истараси иссиқ чеҳрасига ниманингдир даҳшати қора тамғасини босиб кетган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Менга таниш бўлган хонадонлар, девор, томи қулаган уйлар.. Бу урушнинг бадбуруш тамғалари..* Н. Сафаров, Оловли излар.

7 *кўчма* Қилмиш, хатти-ҳаракат ва ш.к. га кўра тақилган ёрлиқ, белги. *Лаънат тамғаси.* ▬ *Орада аллақанча давр бу ажойиб анъанага эскилик тамғаси босилиб, унутилаёзган эди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти.

8 *тар.* Қадимда четдан киритилган молга белги солишда олинган бож.

Тилингга тамға босилганми? Тилинг йўқми? Нега гапирмайсан?

ТАМҒАДОР 1 *тар.* Қадимда четдан киритилган молга тамға босиш ва бож олиш билан шуғулланган лавозимли шахс.

2 Тамға босилган, тамғали.

ТАМҒАЛАМОҚ Тамға босмоқ, тамға солмоқ. *Молларни тамғаламоқ.* ▬ *Яхшиги-*

на қўриқланг, хабардор бўлинг, элаб чошлагандан кейин тамғалаб, менга хабар беринг. Фурсатимни топиб келиб, биргалашиб хирмонни кўтарамиз. С. Айний, Қуллар.

ТАМҒАЛИ 1 Тамға босилган, тамға солинган. *Қизил ярим ой тамғали санитария аравачалари, машиналар..* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *айн.* **гербли.** *Дўкондорлар унинг кафтига аллақандай тамғали марка пулни жирканиб ташлар, ё бўлмаса, кўзларини ўқрайтириб, қўлларини силтаб, «кет!» деб жеркиб берардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАН [*ф.* تن – гавда, бадан, тана] **1** Одам гавдасининг кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғидан иборат қисми: тана. *Бир куни унинг бошини танидан жудо қилсалар ажаб эмас..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Киши танидаги аъзоларнинг ҳам қулоғи бор: ўзининг бардамлигини эшитган аъзолар яна соғ туриб, хизматни бажараверади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кишининг бутун борлиги, вужуд. *Соғ танда соғ ақл.* Мақол. *Тани соғлиқ – туман бойлик.* Мақол. ▬ *-Худоё тавба денг, жон бошқа, тан бошқа, – деди домла.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аноргулнинг қўлидаги дутор «Ўртоқлар» куйини танларга ларза бериб тарона қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахир тут фақат қорин тўйдирадиган таом бўлмасдан, киши танига дори-дармон ҳамдир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Тана, вужуднинг сирт қисми; бадан. *Гард юқмасин танингга, Лой тегмасин барингга.* Қ. Муҳаммадий. *Бу гапни эшитиб, Элмуроднинг тани жимирлаб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигит унинг оқ мармардек яланғоч танига боқмай, ерга қаради.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

4 *кўчма* Ўлик тана; жасад. *Солдат тани, қўшни взводдан шекилли. Снайпернинг ўқи калласига тегибди, қора қонга бўялиб ётибди шўрлик.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Мазлумларнинг танидан Қурган саройлар.. Ғамда ўтди халқ умри Кўп йиллар, ойлар.* Ғайратий.

5 Шахс билдирувчи сўзлар ёки эгалик шаклидаги сўз билан қўлланиб, тегишлилик, улуш каби маъноларни билдиради. *Ҳар ким ўз танини олди. Харажатнинг ярми менинг таним. Мен ҳам тўртдан бир тан.* ▬ *-Бўпти, Даврон, зиёфат менга тан, – дедим. -Ҳаммасини ўзим пишираман.* П. Қодиров, Қадрим.

6 Дастлабки баҳо, таннарх; дастлабки маблағ, сармоя. *Танидан юз сўм камига сотмоқ. Еб-ичиб, танини қилмоқ.* ▬ *Муҳаммадражаб саккиз минг сўмни ойига ўн уч процент фойда бериш шарти билан олиб, икки ойдан бери на фойдасини беради, на танини.* А. Қаҳҳор, Сароб.

7 *кўм. взф. кам. қўлл.* Томон, ён. *Ким зўр бўлса, жазосини бераман, Камбағал Назарнинг тани бўламан.* Ф. Йўлдош, Маматкарим полвон.

Бир жон, бир тан бўлмоқ *қ.* **жон. Тан бермоқ** 1) ишонч ҳосил қилмоқ. *Илгари мен, очиғи, буларнинг қўлидан шунчалик иш келишига инонмаган эдим, энди тан бериб қўйдим.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *..унинг билмаган нарсаси йўқлигига ҳамма тан бериб улгурган эди.* А. Мухтор, Туғилиш; 2) қойил бўлмоқ, қойил қолмоқ. *Ўктам кўзларини қисиб, бошини тебратиб, қовунни мақтади: -Дидингизга тан бердим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ажойиб шаҳар Бокуни бунёд этган халққа ва унинг истеъдодига тан бердик.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Тан олмоқ** 1) бўйнига олмоқ, иқрор бўлмоқ. *Ўз хатоларини тан олмоқ.* ▬ *Адолат ҳар куни кечқурун Усмонжонни кўриш орзусида уйига ошиқар, уни соғинар, лекин буни тан олишга ўзидан-ўзи уяларди.* С. Зуннунова, Гулхан; 2) танимоқ, ҳисоблашмоқ; эътироф қилмоқ. *Зарифа унча-мунча йигитни тан олиб яқинлашишга шошилмасди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Раисни тан олмай қўйишларига ҳам сал қолди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Танини бағишламоқ** Тегишга, никоҳига ўтишга рози бўлмоқ. *Унинг никоҳига танини бағишлаган одам киради.. Мен эмас.* К. Яшин, Ҳамза. *Бормай туриб бағишласин танини, Сўнгра кўрсин хотин меҳрибонини.* «Гулшанбоғ». **Тақдирга тан бермоқ** Қисматидаги бирор нарсага, ҳолатга рози бўлмоқ, кўнмоқ. *Яраш полвон кекса момоларнинг тилига кириб, хотинини туркона муолажа қилдирди. Фойда чиқмади. Кейин эр-хотин тақдирга тан бердилар.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ТАНА I [*ф.* تنه – гавда, бадан, тан; поя] **1** *айн.* **тан 1–4.** *Эрта кўклам бўлгани учун, баҳор қуёши таналарга ёғдай ёқади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бир қилич зарби билан бошини танасидан жудо қилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шундан кейин бир оз танаси яйраб, таранг тортилган асаблари бў-*

шашиб, «Хайрият!» деб қўйди. К. Яшин, Ҳамза. *Чопиб бордим қошига, Сулайиб ётар танаси, Олти газ нари жойда Вафодорим калласи.* «Ойсулув».

2 Жониворларнинг жисми, жуссаси. *Илоннинг қандай сув ичишини камдан-кам кўриш мумкин. У танасини гоҳ шишириб, гоҳ пучайтириб, оғир нафас оларди.* «Фан ва турмуш».

3 Дарахтнинг, ўсимликнинг таг, поя қисми. *Ҳовузнинг тўрт томонида йўғон-йўғон қайрағочлар, таналари қулочга сиғмайди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 *тех.* Турли асбоб, машина ва ш. к. нинг бўлакларини тутиб турувчи қисми. *Краннинг танаси.*

Танангга ўйлаб кўр (*ёки* **қара**) Яхшилаб ўйлаб, муҳокама, мулоҳаза қилиб кўр. *Жаҳлимдан тушганимдан кейин шундай танамга ўйлаб қарасам, бечора ўртоғимдан унчалик қаттиқ гина қилишнинг ҳожати йўқ экан.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ТАНА II [*ф.* تنه] Бир-икки ёшли урғочи бузоқ. *Ҳа, ўша йили дадам билан колхоз таналарини боқдик.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *Кетаётир навкарлар Сўна қувган танадай.* «Ойсулув».

ТАНАВОР [*ф.* تناور – тўла, бўлиқ, семиз] Пойабзалнинг бошлиғи ва қўнжи учун ишлатиладиган тери ва ундан бичиб олинган андоза. *..косиблар ҳафта давомида ўзлари тиккан кавуш, маҳсиларини сотиб, энг аввал кўнчилардан танавор сотиб олишарди.* Газетадан. *Москванинг чармфурушлик бозорида тагчарм бошқа растада, танавор чарм бошқа растада сотилишини гапириб берди.* М. Осим, Элчилар. *Агарда минг тўққиз юз йигирманчи йиллардаги унинг бозордан танавор тополмай, ишсиз, оч қолган вақтларидаги аҳволи руҳиясини хотирласак, унда советлар ҳокимиятига қарши бир кек туғилган даврига ҳам туртиниб ўтамиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАНАЗЗУЛ [*а.* تنزّل – ўзини паст тутиш, тавозели бўлиш; тубанлашиш] Орқага қараб кетиш; инқироз, тушкунлик, регресс. *Иқтисодий таназзул. Таназзулга тушмоқ. Таназзулга юз ўгирмоқ.* ▬ *Бу иш тезда бартараф этилмаса, салтанат обрўсига путур етади, таназзулга олиб боради, деб ўйлардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Чунки ахлоқ бўлмаган жойда маънавий таназзул бошланади.* Газетадан. *Бухоро амири Саидолимхон ҳукмронлик қилган давр.. мамлакат хўжалиги издан чиқиб, таназзулга юз ўгирган эди.* Газетадан.

ТАНАКОР [*ф.* تنكار – танакор, бура] **1** Бор кислотасининг натрийли тузи (сир тайёрлашда, кимёвий идиш ва шишалар ишлаб чиқаришда, металларни кавшарлашда ишлатиладиган шишасимон тиниқ кристалл модда).

2 *кўчма* Бирлаштирувчи энг зарур нарса ҳақида. *Севги муқаддас нарса. Оиланинг тотув, ширин бўлишига у танакор бўлсин.* С. Нуров, Янгича тўйлар.

ТАНАФФУС [*а.* تنفّس – нафас олиш; нафас, дам] **1** Дарс, иш, машғулот ва ш. к. орасида бериладиган қисқа дам. *Ўқувчилар танаффусга чиқди. Танаффус эълон қилмоқ.* ▬ *Бу сукут боксёрларнинг шиддатли раундлари ўртасида нафас ростлашга бериладиган танаффусга ўшарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Эрталаб қуёш билан баравар туриш, қош қорайгунча иш. Бир маҳал овқатга танаффус.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги узилиш, тўхташ бўлган вақт. *У ашулаларни танаффус қилмай айтарди.* «Ёшлик». *Бир оз танаффусдан сўнг программада.. хоккей ўйини кўрсатила бошланди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ТАНАЧА 1 Тана II с. кичр. *Танача боқмоқ.* ▬ *Бизнинг даргоҳга яқин жойда икки яшар чамали бир ола танача бебошвоқ ўтлаб юрар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *физиол.* Кичкина, фақат микроскоп орқали кўрса бўладиган жисм, ҳужайра. *Оқ таначалар. Қизил қон таначалари.* ▬ *Қон – ичида жуда кўп қизил қон таначалари бўлган тиниқ, деярли рангсиз суюқликдан иборат.* «Анатомия».

3 *бот.* Ниш; ниҳол.

ТАНБАЛ [*ф.* تنبل – эринчоқ, ялқов] Ўтакетган дангаса, ялқов. *Танбал одам.* ▬ *«Умр доно учун жуда қисқа, танбал учун керагидан ортиқ узун! Одам бўлсанг, шу қисқасини танла!» деб матал ўқиди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Дала шийпони қурилишига бошлиқ бўлиб биркитилган киши анча бўшанг ва танбал эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАНБАЛЛАШМОҚ Танбал бўлиб, ялқовланиб бормоқ, танбал, ишёқмас бўлиб

қолмоқ, дангасалашмоқ. *Бекорчиликка ўрганиб танбаллашиб қолибсан.*

ТАНБАЛЛИК Ишёқмаслик, дангасалик. *Унинг отаси ҳам.. танбаллик, совуққонлик кишини охири хароб қилишини ўғлига такрор-такрор айтар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Пахтакорга танбаллик ярашмайди, ука..* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ТАНБЕҲ [*а.* تنبيه – уйғониш, жонланиш; огоҳлантириш; эслатма, изоҳ] **1** Ножўя хатти-ҳаракат учун берилган таъзир, койиш, огоҳлантириш ёки жазо. *Енгил танбеҳ. Қаттиқ танбеҳ. Танбеҳ бермоқ. Танбеҳ олмоқ.* ▬ *Кекса боғбоннинг самимий сўзлари ҳам таъна, ҳам танбеҳ эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Тоғанинг танбеҳларига қарамай, жиян ўз йўлидан қайтмади.* «Шарқ юлдузи». *-Биз текканимиз йўқ-ку, ота! – деди болалардан бири, чолнинг танбеҳини қаттиқ олиб.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Танбеҳ бермоқ Койиш, ўгит тарзидаги гап-сўз айтмоқ. *Ҳамшира танбеҳ бериб, бошимни ёстиққа қўйди.* «Гулдаста». *Бошлиқ бўлганингиздан кейин гапириш эмас, танбеҳ беришга ҳам ҳаддингиз сиғади..* С. Нуров, Нарвон. **Танбеҳ емоқ** *айн.* **танбеҳ олмоқ. Танбеҳ олмоқ** 1) танбеҳли гап-сўз эшитмоқ; 2) иш-хизматда оғзаки ёки ёзма тарзда расмий жазо олмоқ. *Мен.. саҳар-мардонда тепани айланиб чиқаман деб, командирдан қаттиқ танбеҳ олган эдим.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Танбеҳини бермоқ** Жазо бўладиган иш ёки гап-сўз қилмоқ; жазосини (жаззасини) бермоқ. *Манман кишининг бунда бўйнин суғуриб, Агар кўрсам, танбеҳини бераман.* «Баҳром ва Гуландом». **Танбеҳини емоқ** Адабини, таъзирини емоқ. *Одам тиқилинч бўлган бу вагонда жой тополмасдан, эшикнинг олдида ўтириб, тоза танбеҳимни едим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Собирнинг қиёфасида танбеҳ еб, тавба қилиш эмас, ўз истагидан қайтмаслик ҳисси барқарор эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Камчилик, хато кабиларни қайд этувчи гап-сўз, фикр-мулоҳазалар. *..бу ишдан ҳам айрилиб қолмай, деб астойдил ишлади, хўжайинидан бирон танбеҳ эшитмади.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Уларнинг маслаҳати, йўл-йўриғи ва танбеҳлари аксарият ҳолларда ўринли бўлиб чиқаётганлиги бежиз эмас.* Газетадан.

3 Иш-хизматдаги тартиб-қоидага биноан бериладиган расмий жазо. *Ишдан кечикишлари учун танбеҳ олмоқ. Тартибга риоя қилмаганлиги учун командир танбеҳ эълон қилди.*

4 *спрт.* Ўйин қонун-қоидасига зид хатти-ҳаракат учун ҳакам томонидан айтилган гап, сўз; огоҳлантириш.

ТАНБЕҲЛАМОҚ 1 Танбеҳ бермоқ, адабини, таъзирини бериб қўймоқ, койимоқ.

2 Огоҳлантирмоқ; уқтирмоқ. *Уни йиқилган йўғон дарахтлар орқасига ўтқазар, лабларини қисиб, қўллари билан танбеҳларди: «Йиғлама!»* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ёз кунлари [Ўзбек ойим] айвоннинг тўрига ясланиб, Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодоққа, чўри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбеҳлабгина ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАНБУР [*а.* طنبور – торли чертма мусиқа асбоби; уд] Дастаси узун, уч ёки тўртта сим торли, нохун билан чертиб чалинадиган мусиқа асбоби. *Танбур чалмоқ. Танбурни созламоқ.* ▬ *Барот полвон «додхоҳ келибди шекилли», деб самовар томонга қараган эди, дутор, танбур, ғижжак, най, доира кўтариб келаётган машшоқларга кўзи тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Эшакнинг (*ёки* **хўкизнинг) қулоғига танбур чертмоқ** (*ёки* **чалмоқ**) Гапни уқиб олмайдиган (олмаган) шахсга нисбатан қўлланади. *-Хўкизнинг қулоғига танбур чертдимми, нодон хотин! – қизариб кетди Ёрмат. – Кимга бўлар эди, бой отам ўзига сўраяпти.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йиғилишдаги гаплар хўкизнинг қулоғига танбур чертгандай бўпти-да..* А. Муҳиддин, Ғанишер.

ТАНБУРЧИ Танбур чалувчи созанда. *Моҳир танбурчи.* ▬ *Алоҳида уйларда ёки мактаб боғида [домла] улар билан бир лаганда ош еб, дуторчи, танбурчи ва ашулачи йигит-қизларни шу ерга чақиртириб, маишат қилишга берилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАНВИН [*а.* تنوين – «н»лаштириш, айрим арабча сўз (от)лар охирини «н» билан айтиш] Араб ёзувида ҳарфнинг устига ёки остига қўйиладиган қўш зер, қўш забар, қўш пеш.

ТАНВИР [*а.* تنوير – ёритиш; маориф, маърифат; гуллаш] *эск. кт.* Маърифат, маориф, оқартирув. *Матбуотнинг вазифаси халқни танвир ва тўғри йўлга ташвиқ бўлса..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Танвир этмоқ Ёритмоқ. *Мен мантиқ.. фалсафа каби инсон закосининг муқаддас машъаллари билан талабаларнинг кўнгилларини танвир этаман.* Ойбек, Навоий.

ТАНГ [*ф.* تنگ – тор, сиқиқ, зич] **1** Оралиғи, эни, ҳажми етарлича катта бўлмаган; тор, чоғ. *Танг йўлак.* ▬ *Тошни тошларга уриб, Тарқатиб қўрқинч оҳанг, Йўли унинг поёнсиз, Гўё саҳро кўкси танг.* Ғайратий. *Вақт танг, далада иш тиғиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қутулиш, ҳал қилиш ёки иложи, давосини топиш жуда қийин бўлган, ғоят оғир, мушкул, ночор. *Танг аҳвол. Танг вазият. Беморнинг аҳволи танг.* ▬ *Укангиз Қурбон оқсоқол тегирмонида ишлаб туради. Рўзғордан бир қадар сиқилишган. У ёғини суриштирсанг, қишлоқда ҳамманинг рўзғори танг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишнинг энг танг жойи – қум билан шағалнинг етишмаслигида.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳаёт-мамот урушининг танг дақиқаларида Эргаш меҳрибон онасининг гапларини эслади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Танг қолмоқ (*ёки* **қотмоқ**) Ҳайратда қолмоқ. *Зулайҳонинг осойишта юзига қараб танг қолдим. У хатарли одам билан гаплашиб юрганини бутунлай сезмаётганга ўхшарди.* П. Қодиров, Қадрим. *«Ҳар қалай, уйғотай», деди яна она ва ўғлининг бошига эгилди, эгилди-ю, танг қотди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАНГА 1 *тар.* Бухоро хонлигида 15 тийинга, Қўқон хонлигида 20 тийинга тенг бўлган кумуш пул. *Бир танга (йигирма тийин). Ярим танга (ўн тийин). Туя бир танга – қани бир танга, Туя минг танга – мана минг танга.* Мақол. ▬ *-Битта мушак уч мири, – деди Туробжон, – юзта мушак отилса.. биттангадан юз танга. Бир миридан кам – етмиш беш танга бўлади.* А. Қаҳҳор, Анор.

2 Умуман, қоғоз пулдан бошқа, олтин, кумуш, мис кабилардан зарб этилган пул. *Олтин (тилло) танга. Кумуш танга. Танга ва қоғоз пуллар.*

3 Олтин, кумуш ва уларнинг қоришмасидан зарб этилган пул. *қиёсланг:* **чақа**. *..тошкентлик мардикор иштонининг липпасига қистирилган бўз халтачани – ҳамённи олиб, танга, чақа аралаш бир сўмни санаб тўкди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Охирида маддоҳ йиғилган танга ва қора пулларни бир шол қопчага солди.* С. Айний, Қуллар.

4 Қозоғистон Республикасининг асосий пул бирлиги.

5 Балиқ терисини қоплаб олган қаттиқ майда тўгаракчалар. *Балиқнинг тангаси. Балиқ тангасини пичоқ билан тозаламоқ.*

6 *кўчма* Йилтироқ тангасимон нарса ҳақида. *Чойхоначи Дадамат унда-мунда қуёш тангалари йилтираган тоза, текис саҳнга миришкорлик билан сув сепди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Азамат дарахтларнинг япроқлари оралаб ерга тўкилган ойнинг оппоқ тангаларига ажиб бир завқ билан тикилар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТАНГАДАЙ, -дек 1 Танга ўлчамидек, кичик. *Супа ҳам анча салқин бўлиб, кечгача тангадек ерга қуёш тушмасди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [*Заргаров:*] *Йўқ, йўқ! Менинг феълимни биласан-ку: жаҳлим чиқса, тангадай жанжални ғалвирдай қиламан-қўяман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 Танга каби, тангага ўхшаш. *Сўзни тангадай жаранглатиб сўзлашга устасиз..* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТАНГАЧА 1 Танга с. кичр.

2 *кўчма* Майда танга шаклидаги йилтироқ нарсалар ҳақида. *Ер бетига осмондан Кўплаб тушар тангача, Будир қишнинг зийнати: Ҳаммаёқ оқ тонггача.* З. Диёр.

3 *айн.* **танга 5**.

ТАНГЕНС [*лот.* tangens – тегиб турувчи] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакда ўткир бурчак қаршисидаги катетнинг бошқа катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция.

ТАНГИ [*ф.* تنگی – торлик, сиқиқлик, камбарлик] *геогр.* Икки тоғнинг остки туташган ери; тор дара.

ТАНГЛАЙ Оғиз бўшлиғининг юқори девори; қаттиқ ва юмшоқ танглайдан иборат бўлиб, оғиз бўшлиғини бурун бўшлиғидан ажратиб туради. *Қаттиқ танглай. Юмшоқ танглай. Тилни танглайга тегизмоқ.* ▬ *Секин* [*шафтолининг*] *пўстини арчсанг, оғзингга солиб, тилинг билан танглайингга боссанг-у, сувини қулт-қулт ютсанг.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

Танглайи тақиллаб кетди *ёки* **танглайи қуриди** Ортиқ сувсаб, томоғи қақраб кетди. [*Қудратнинг*] *Лаблари қовжираган, танглайи қуриган, ранглари ўчган эди.* З. Фатхуллин,

Сўнмас юлдуз. **Танглайини кўтармоқ** (*ёки* **босмоқ**) *этн.* Чақалоқнинг танглайини бошмалдоқ билан босмоқ. **Танглайини.. билан кўтарган** Бирикма таркибидаги «билан» кўмакчиси билан боғланган сўз англатган нарса, гап-сўз (уни қилиш, айтиш, қўллаш) шахсга ёшликдан одат эканлигини, ёшликдан теккан «касал» эканини билдиради («қўндоқда теккан» ибораси маъносига яқин маъно билдиради). *Унинг танглайини пул билан кўтарган. Танглайини сўкиш билан кўтарган* (Кўп сўкинадиган, сўкиниб гапирадиган шахсга нисбатан қўлланади). **Танглайини тақиллатмоқ** Танглай билан тил орасидан тақиллаган овоз чиқармоқ (ҳайрат, инкор ва ш.к. маънолар ифодалаш учун). *-Ҳеч кимда йўқми-а? — паришон бир ҳолда сўради Бувинисо. Кўзлари милтиллаган бола, гапиришга мадорсиздек, танглайини тақиллатиб, бош чайқади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тили танглайига ёпишмоқ** Ҳаяжон, ғазаб, қўрқув ва ш.к. сабаблар туфайли гапиролмай қолмоқ. *Маҳмуджонни муздек тер босди. Нимадир демоқчи эди, тили танглайига ёпишди.* «Муштум».

ТАНГЛИК 1 Танг ҳолат, танг эканлик. *Жойнинг танглиги. Вақтнинг танглиги.*

2 Танг, сиқиқ жой. *Тангликка сира тобим йўқ.*

3 Торлик, кичкина эканлик. *Этигим бир оз танглик қилди.*

4 Оғир, мушкул аҳвол; етишмаслик. *Озиқ-овқат танглиги.* ▬ *Рўзғордан шундай танглик тортдикки, гапирсам, балки ишонмайсиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ем-хашак танглиги сабаб, магазиндан нон олиб боқишга мажбур бўлган.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

5 *айн.* **кризис, инқироз.** *Иқтисодий танглик. Ҳукумат танглиги.* ▬ *Ўтмишда.. тез-тез содир бўлиб турган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликлар ирригация ишларига салбий таъсир қилган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ТАНГО [*исп.* tango] Тўрт тактда ўйналадиган мулойим рақс ва шу рақс мусиқаси. *Тангога рақс тушмоқ.* ▬ *«Чет» таклифларга чек қўйиш мақсадида уни ўзи тангога олиб тушмоқчи бўлди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТАНГРИ [*мўғ.* тэнгэр — осмон; худо] Оллоҳ, Худо, парвардигор. *Мен қиламан ўтмиз, тангрим қилади тўққиз.* Мақол. *Тенг еганни тангри суйибди.* Мақол. ▬ *Баъзида ғўлдираб босинқирар, уйғониб кетиб, тангрига ёлвориб, нажот тиларди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ТАНГЧИЛИК *айн.* **танглик 3**. *Тангчиликдан чиқмоқ.* ▬ *Оталаримиз.. кураш йўлида йўқчиликка ҳам, тангчиликка ҳам чидашди.* И. Юсупов, Меҳнатда жасорат кўрсатинг.

ТАНДА 1 Мато тўқиш учун узунасига, бўйлама тортилган ип, ўриш. *Тандаси ҳам, арқоғи ҳам соф ипакдан тайёрланган атлас.* ▬ *Этаги олисларга чўзилиб кетган чўл тўқувчи дастгоҳидаги тандага, янги обод бўлган жойлар эса шу тандanинг аста-секин тўқилиб келаётган сергул матосига ўхшарди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

Танда қўймоқ 1) мато тўқиш учун унинг ўришини тартиби билан тортиб чиқмоқ; 2) кўп марта бориб келмоқ, бирор жойга серқатнов бўлиб қолмоқ. *Иноят оқсоқол Марғилон билан Чортерак орасига танда қўйиб қолган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Менам шунисига доғман-да, ука. Кейинги вақтларда Турди ғилай идорага танда қўйган.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 *кўчма* Ўриш иплари каби тортилган нур, тола ва ш.к. ҳақида. *Қуёш ҳам шошқалоқ бўлиб қолди — тандасини дарров йиғиштириб олди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАНДАЧИ Танда қўювчи уста.

ТАНДИР [*а.* تنّور — нон ёпиладиган ўчоқ, қурилма] Нон, сомса, кабоб кабиларни ёпиб пишириш, тайёрлаш учун лойдан ясалган қурилма. *Тандирга ўт ёқмоқ. Тандирда нон ёпмоқ. Тандирдан янги узилган иссиқ нон. Уйида чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир.* Мақол. ▬ [*Старшинанинг*] *Тандирдан чиққан ширмон нон каби бўртиб турган юзида шўх табассум пайдо бўлди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Ҳар гал нон ёпишганда, унга атаб жажжигина кулча ясар, то қўллари куйиб, тандирдан узиб бермагунча, Мансур пойлаб ўтирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Супрадаги унга қарамай, тандирга ўт қалайдиган Бор ёки йўқ эканини суриштирмай, аҳволи билан ҳисоблашмай ҳотамлик қиладиган, эррайим. *Раис супрадаги унга қарамай, тандирга ўт қалайдиган хилидан.* С. Аҳмад, Ҳодивой.

ТАНДИРЧИ Тандир ясовчи (тайёрловчи) уста. *Қўқоннинг Исфара гузарида Мусо тандирчи ўғли Абдулҳайни уйлантиряпти.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Парфи сўтак билан Фармон кал орқаларига қайтиб, Пирмуҳаммад тандирчи ёнига келишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАН-ЖОН, тану жон Кишининг бутун борлиғи, вужуди. *Бу ҳовлига келганида, у яйрар, тан-жони ором оларди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. *Ҳам ҳадик, ҳам эҳтирос билан тан-жони ёниб кетган Шаҳзодахон Олчинбекнинг қучоғидан зўрға суғурилиб чиқиб олди.* К. Яшин, Ҳамза.

Тан-жони соғ Соғ-саломат, сиҳат-саломат. *Нафисахон Ҳафизани қучиб: -Яхши юрибсанми, тан-жонинг соғми? — деди.* Мирмуҳсин, Умид. *..эс-ҳуши жойида, қадди-қомати келишган, тан-жони соғ.. манман деган битта йигитнинг ишини баҳузур қиладиган хотин эди-да.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАНИЛМОҚ 1 Танимоқ фл. мажҳ. н. *У, ниқоб очилиб, танилиб қолди.*

2 Ном чиқармоқ, донг таратмоқ, маълум-машҳур бўлмоқ. *Бу ҳофиз бутун оламга танилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шундай қилиб, у тез фурсатда эл-юрт орасида «Ҳакимча табиб» номи билан танилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Орадан кўп йиллар ўтди, Тамарахоним машҳур актриса бўлиб танилди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТАНИМОҚ 1 Таниш бўлмоқ, билмоқ. *Мен уни икки йилдан бери танийман. Бу ерда у ҳеч кимни танимайди.* ■ *Адолатни таниганлар унга ҳайрон бўлиб, бақрайиб қараб қолар, баъзи link бировлар юзини ўгирар.. эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Нуринисони яқиндан таниганлар у билан ҳар вақт жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзига тегишли ёки таниш кимсани, нарсани кўринишидан ёки бошқа бирор белгисидан билмоқ, ажратмоқ. *Овозидан танимоқ. Кўзидан танимоқ.* ■ *Дарвозабон бекни таниб, қўл қовуштирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эшелоннинг кейинги тўхташида вагон тирқишидан қараб турган Исроил Азимов бу станцияни таниб, «Пенза» деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Лой ва тупроққа қоришган жангчиларни танимоқ қийин эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳай, у қизни ўзинг кўрсанг танийсанми?* С. Сиёев, Аваз.

3 Фарқига борадиган, яхши-ёмонни ажратадиган бўлмоқ, ажрата билмоқ. *Отинг борида йўл тани, Ақлинг борида эл тани.* Мақол. ■ *Сен азалдан одам танийсан. Кўнглингга бир нарса келмасин-у, оғайни, Шоабдуфаттоҳ Хўжаев — ўғил бола йигит.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *Гилам танийдиган одам икки мингга индамасдан олади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Жўра бошқа отларга бир зум кўз ташлаб: -Агар от танисанг, рисоладаги саман — шу, — деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ҳақ-ҳуқуқи, обрўйи, мавқеи ва ш. к. билан ҳисоблашиб муомала қилмоқ, тан олмоқ. *Биз Мусулмонқулни танимаймиз! Бизнинг бошлиғимиз Худоёрхондир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Одамни танимаслик (*ёки* **танимай қўймоқ)** Жуда мағрурликка берилиб (ҳаволаниб), ҳеч кимни менсимаслик, писанд қилмай қўймоқ. *Шундай қилиб, кунни ўтказаверди. Бурунгидай одам танимайдиган бўлиб кетди.* «Баҳром ва Гуландом». *Равшан Мусаев совхознинг 4-бўлимига бошқарувчи бўлди-ю, унча-мунча одамни танимай қўйди.* «Муштум». **Оқ-қорани таниган** Яхши-ёмонни кўрган, кўп нарсани, дунёнинг борди-келдисини билган. *Сиз оқ-қорани таниган одамсиз, Абдишукур.* Ойбек, Танланган асарлар. **Хат танимоқ** Ўқиш-ёзишни билмоқ, саводли бўлмоқ. *Ана, сизнинг меҳрибон Ойимхон опангиз. Районга бориб, уч ой ўқиб келди. Ҳа, салпал хат танийдиган бўпти.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Эсини (*ёки* ақлини) танимоқ** Эси кириб, улғайиб, онгли равишда иш қиладиган ва кўрган-кечирганларини эслай оладиган бўлмоқ. *Биз, раисимиз айтмоқчи, энди эсини таниган боладаймиз: кўп нарсага қизиқамиз, кўп нарсани билгимиз келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мирпўлат Темирович гапнинг пўсткалласини айтдилар, эсимни таниганимдан бери бу — иккинчи марта этик кийишим.* С. Маҳкамов, Шогирд. **Ҳақини танимоқ** Ўз ҳақ-ҳуқуқини билмоқ, ҳақ-ҳуқуқини ўз қўлига олмоқ. *Давлатёр таърифлагандек, «ҳақини танимаган» бу бечора* [*Худойқул*] *шу равишда ҳаёт кечирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАНИТМОҚ 1 Танимоқ фл. орт. н. *Юзларини танитмаслик мақсадида, турли шаклдаги мўйлову соқол ва юзу сочнинг тусини ўзгартирадиган мой суртмалар ғамлашган.* «Муштум».

2 Маълум қилмоқ, билдирмоқ, айтмоқ (ўзини, кимлигини). *Отасига учраб, ўзимни танитдим, қимтиниб-тортиниб, арзимни айтдим.* «Муштум».

3 Маълум-машҳур қилмоқ. *Ана шу саксовуллар, ана шу барханлару қўй-қўзилар менинг одамлигимни танитди..* М. Салом, Кечирим. *Меҳнат, халқ ишига садоқат Сафаровни барвақт элга танитди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТАНИШ 1 Танимоқ фл. ҳар. н. *Бир-бирини таниш. Хат таниш. Оқ-қорани таниш.* ■ *Янги кийимлар кийиб, чиндан ҳам таниш қийин бўлиб қолган Элмуродни кўриб.. кўзлари олайиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Агар жиноятчи қўлга тушсагина, Умар уни тусмоллаб таниши мумкинлигини тушунди терговчи.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 *сфт.* Кимсага аввалдан маълум, кишилар танийдиган, биладиган. *Таниш одам. Таниш овоз. Таниш иш. Таниш имзо. Бу ерлар унга болаликдан таниш.* ■ *Зиёдилла таниш дала йўлидан хаёл суриб борарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Унинг қўлида Зулфиқорга таниш кичик ханжар ялтираб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *от* Кимгадир маълум бўлган, у танийдиган ва маълум даражада муносабат-алоқаси бўлган шахс. *Қани, юр, темир йўлда танишим бор эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Тўриқни бир танишиникида қолдирди-да, ўзи.. шаҳарга жўнади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўҳў!.. эски танишлар тўпланадиган кун экан-да бўлмасам.* «Муштум».

Кўз таниш Фақат кўрганда салом-алик қилишиб юрадиган, ҳали унчалик алоқа-муносабати бўлмаган таниш. *Мурoджон билан ҳали тузукроқ таниша олганимча йўқ. У ҳам менинг кимлигимни яхши билмайди. Фақат кўз танишмиз, холос.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

ТАНИШ-БИЛИШ Бир-бирини танийдиган ва маълум жиҳатдан алоқа-муносабати бор шахс(лар). *Сумка, тўрхалта кўтарган одамлар уй-уйига шошилишар, таниш-билишларини кўриб, байрам билан қутлашар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Энди, дўхтир, ҳозир қайси институтга борсангиз, таниш-билишнинг боласи киради.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ТАНИШЛИК 1 Таниш бўлиш, таниш эканлик. *Иш билан танишлиги унга қўл келди.* ■ *Йигиталини ҳаммамиз яхши танимиз.. Аммо ҳозир бу танишликнинг сира аҳамияти йўқ.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Ўзаро таниш-билиш ҳолати, таниш-билишлик муносабати. *Менга қолса, бу ишда ҳеч бир қўрқадиган гап йўқ, уста билан танишлиги бўлса, унинг уйига меҳмон бўлгандир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу одам бизнинг уйимизда нима қилиб ўтирибди? У билан танишлигинг борми?* «Муштум».

ТАНИШМОҚ 1 Танимоқ фл. бирг. н. *Улар мени танишмади.* ■ *Тошкентимиз шундай ўзгарганки, уни узоқ кўрмаганлар ҳозир таниша олмайди.*

2 Кимса билан ўзаро таниш бўлмоқ, бир-бирини таниб, билиб олмоқ. *Бекмуродов билан ўтган йили дам олиш уйида танишган эдим.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Одатда кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганингдан кейин очилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Албатта, ўзинг бирга борасан, қудаларинг билан танишмоғинг ҳам зарур.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Муфассал ўрганмоқ, кўриб чиқмоқ, билиб олмоқ. *Иш билан танишмоқ. Шаҳар билан танишмоқ.* ■ *У гувала деворли кўчаларда уйма-уй юриб, колхозчиларнинг турмуш шароити билан танишиб чиқди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ТАНИШСИЗЛИК 1 *кам қўлл.* Таниш эмаслик, нотанишлик. *Иш билан танишсизлик.*

2 Танишлари йўқлик. *Шаҳрингизга биринчи марта келишим бўлгани учун, танишсизлик, ёлғизлик мени жуда зериктирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАНИҚ Таниб олиш учун қўйилган ёки табиий мавжуд бўлган белги, нишон. *Йўқолган отингизнинг қандай таниғи бор?*

Таниқ бермоқ Таниганлигини билдирмоқ, маълум қилмоқ; гувоҳлик бермоқ. *Қишлоқда мулла Мамажонни илгаридан танийдирган кишилар: -Бу йиллар* [*1928—29*] *фалон мозорнинг дахмасида шайхлар билан бирга эди, — деб таниқ берадилар.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ТАНИҚЛИ 1 Таниб олиш учун қандайдир белгиси ёки белгилари бўлган; таниш. *Таниқли кўча.* ■ *Тамға каби таниқли, Ҳар ерда бир из.. Узоқларда жилади Уч-тўрт хотин-қиз* Ҳ. Олимжон.

2 Кўпчиликка маълум, кўпчилик танийдиган; атоқли, машҳур. *Таниқли шоир.* ▬ *Кўпчилик олдида айтишиб ўтириш иккингизга ҳам ярашмайди, — ..иккингиз ҳам элюртда таниқли одамларсиз.* И. Раҳим, Ихлос. *Миркарим ака Эски шаҳарга таниқли одам.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ТАНК [*ингл.* tank — зирҳ билан қопланган, гусеницали ҳарбий машина < шу машина ихтирочисининг фамилияси (Танк)-дан келиб чиққан] **1** Зирҳланган, тўп ва пулемётлар билан қуролланган, ҳар қандай йўлда ҳам юра оладиган гусеницали ҳарбий машина. *Оғир танк. Енгил танк. Танк дивизияси.* ▬ *Бу ёққа* [*қишлоққа*] *мадад учун юборилган немис танкларининг йўлини бизнинг танкларимиз тўсган, сойликда танклар жанги бўлмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Суюқликларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган, махсус жиҳозланган катта идиш.

ТАНКЕР [*ингл.* tanker] Суюқликларни, суюқ юкларни танкларда (*қ.* **танк 2**) ташийдиган махсус кема.

ТАНКЕТКА I [*ингл.* tankette — кичкина танк] Разведка, алоқа учун хизмат қилувчи гусеницали енгил жанговар машина (20-асрнинг 20-30-йилларида).

ТАНКЕТКА II [*р.*] Тагчарми товонга томон қалинлашиб борадиган, хотин-қизларбоп енгил оёқ кийими.

ТАНКЧИ Танк қисмида ҳизмат қилувчи ҳарбий ходим. *Танкчилар жангга кирди.* ▬ *Танкчиларимизнинг жасоратига оид жуда кўп жанговар эпизодлар кўз олдимда турибди.* «Ёшлик».

ТАНЛАМОҚ 1 Бирор белги-хусусияти, хислати ва ш.к. га кўра ажратмоқ, белгиламоқ. *Қовун танламоқ. Қўйнинг семизини танламоқ.* ▬ *Полвон учинчи дафъа келтирилган тошлар ичидан.. бир тошни танлаб олди-да, яхшилаб артишга ва бир томонини йўнишга буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Унга қиз танлаш, қишлоқнинг энг биринчи қизини топиб бериш онанинг иши эмасми?* И. Раҳим, Ихлос. *..ёш толга чиқиб олган йигит болтача билан силлиқ шохларни танлаб кесарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Маъқулини белгиламоқ, маъқул топмоқ, ўзи учун маъқул деб билмоқ. *Касб танламоқ. Эшакнинг танлагани — шўра. Танлаган йўлидан қайтмаслик.* ▬ *Боғнинг энг «туби»да, сердарахт ва пастқамликда кафе бор. Аҳмад шу кафени танлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Умуман, белгилаб, ажратиб олмоқ. *-Қаёққа бўларди, уйга-да, — қўрслик билан жавоб берди чол. — Ҳар ким ўз молини танлаб олсин, деган буйруқ чиқибди-ку!* С. Аҳмад, Ҳукм.

Танлаб (*ёки* **танлаб-танлаб), тозисига учрамоқ** Танлаб-танлаб, энг ёмонига, ноборига учрамоқ.

ТАНЛАНИШ 1 Танланмоқ фл. ҳар. н.

2: табиий танланиш Яшаш учун курашнинг натижаси бўлиб, жонли организмларнинг эволюцион тараққиёт жараёнида ҳаётий шароитларга мослашиб бориши ва яшаб қолишидан иборат биологик қонуният, жараён.

ТАННАРХ [тан **6** + нарх] *иқт.* Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда ишлар бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун қилинган жами жорий харажатларининг пул шаклидаги ифодаси; маҳсулотнинг иш ҳақи ва ишлаб чиқариш харажатларидан иборат ўз нархи. *Маҳсулот сифатининг ёмонлиги, таннархининг қимматлашгани ҳақида нега лом-мим демайсиз.* «Муштум». *Тупроққа қўшиладиган полимерларнинг таннархи унча қиммат эмас.* С. Кароматов, Фан — бизнинг компасимиз.

ТАННОЗ [*а.* طنّاز — ноз қилувчи, шўх ва серноз] **1** Ўзига оро бериб, ноз билан юрувчи; нозли ҳаракатлар қилувчи. *Бир танноз қиз дабдаба билан идорага келиб деди: -Мени секретарликка қабул қилсангиз.* «Муштум». *Сертаманно, кеккайган таннозлар ёхуд нима десанг, хўп деб кўнаверадиган чўрисифат лақмалар дарров меъдага уради.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Бирор фойдали иш-юмуш билан шуғулланмай, ўзига оро беришдан, ўйин-кулгидан бошқани билмайдиган, олифта. *Беиш таннозлардан орттириб улфат, Ўйин-кулгиларга бердинг кўнгилни.* Э. Охунова, Шу ҳам бахтми? *Тавба денг, болам, бўйдоқсиз, шундай таннозлардан бирига учраб..* «Гулдаста». *Совуқ сувга қўл урмас таннозини Етаклаб, қаёққадир бошлаб кетди.* «Муштум».

ТАННОЗЛИК 1 Таннозларга хос иш, ноз, карашма. *Таннозлик қилмоқ.* ▬ *Айниқ-*

са, бой қизларининг юришида, ҳаракатида таннозлик, тантиқлик очиқ сезилиб туради. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Қиз ҳамон бошини қуйи солиб турар.. таннозлик ўрнини энди қандайдир мулойим осойишталик эгаллаган..* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТАНОБ [*а.* طنب / طناب – арқон; пай] **1** *эск.* Ер ўлчаш, узунлик ўлчаш, чизиқ тортиш ва ш.к. ларда ишлатиладиган узун чилвир, режа ип.

Таноб тортмоқ (*ёки* **урмоқ**) Режа ип тортиб ўлчамоқ. *Матчон тўра кузда ҳосилни йиғиштириб олгач, қумгача чўзилган бўз ерларга таноб урдириб, ўзига қўшиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кам қўлл.* Умуман, ингичка арқон, чилвир ёки каноп ип, ришта. *Шоҳнинг амри билан минг полвон ва кал икки кеча-кундуз йўл тортиб, Гўша тоғига етиб, чортиғлар* [*чодирлар*] *танобини тортиб.. ётаверди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Бекам-кўст турмуш кечириб, эр-хотин тотув яшаётган кезларда тўсатдан бу иноқ оила чархининг таноби узилди.* И. Раҳим, Ёш хотин. *Банд этиб зулфинг аро кўнглимни озод этганинг, Қуш учиргандек эрур боғлаб аёғига таноб.* Нодира.

3 *эск. тар.* Ўрта Осиё хонликларида: томонлари 60 газдан иборат бўлган майдонга тенг юза (ер) ўлчов бирлиги. *Тонг отгунча бир танобча ернинг ғўзаси сув ичди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Боғнинг сатҳини Салим уч ярим таноб, Фазлиддин уч таноб мўлжаллади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *эск. тар.* Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда қўлланган узунлик ўлчов бирлиги (17-асрда 39,9 метрга тенг бўлган).

Оғзининг (*ёки* **лабининг**) **таноби қочмоқ** *айн.* **оғзининг боғичи қочмоқ** *қ.* **боғич**. *Муродовани кўрганда оғзининг таноби қочадиган Зуннунов бугун ҳақиқатан ҳам хомуш кўринди.* И. Раҳим, Ихлос. *-Бор, яна бир миридан ташладим, – деб юборди. Инглизнинг лабининг таноби қочиб, илжайди.* К. Яшин, Ҳамза. **Танобини тортмоқ** 1) йўл, ҳажм ва ш.к. жиҳатдан қисқартмоқ, камайтирмоқ. *Минган оти жониивор Йўлнинг танобин тортди.* «Нурали». *Умридан барака топсин. Чўлнинг танобини тортяпти.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Овқатнинг танобини тортиб қўйишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) бўлмағур, номақбул иш-ҳаракатга чек қўймоқ, шундай хатти-ҳаракатдан тийиб қўймоқ. *..хўжаликларнинг баданига зулукдай ёпишиб олган мана шунақа одамларнинг танобини тортиш керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Амакисига ён босган ўғлидан ҳам ранжиди. Танобини тортиб қўймоқ ниятида уйга келса, Жавҳар йўқ.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТАНОБИЙ [*а. + ф.* طنبى / طنابى – катта умумий хона, меҳмонхона, зал] Умумий бино, иморатда бошқалари нисбатан катта, махсус безатилган ва меҳмонлар кутиб олинадиган хона. *Хобгоҳдан икки хона нарида ҳашаматли танобий уйда аллақачон тузаб қўйилган дастурхон мирзога мунтазир эди.* П. Қодиров, Бобур. *Бобур мирзо туя кигиз тўшалган танобий хонада даричадан ташқарига қараб, хомуш тикилиб ўтирарди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Танобий хона майин мусиқа, жаранг кулги, зарофатли гурунг ила яшнай бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАНОБЛАМОҚ Таноб тортиб, ер ўлчамоқ. *Минг таноблаб ҳисобланган олмазор.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТАНОБЧИ *эск.* Таноб тортиб, ер ўлчовчи киши. *Бой, танобчи олиб келиб ўлчатиб.. икки таноб чиқартириб олган эди. Менинг тахминимча, бой ўлчаб олган ер икки танобдан ортиқ эди.* С. Айний, Қуллар.

2 *тар.* Солиқ олиш учун ер ўлчовчи лавозимли киши. *Ясовулбоши Шерназарбой хоннинг буйруғини кўнгилдагидай бажара бошлади, қишлоқларга танобчилар юборди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАНОВАР [*ф.* تناور – семиз, бўлиқ; барваста, гавдали] Ўзбек халқ рақс куйларидан бирининг номи. *Тановарни чалмоқ. Тановарга ўйнамоқ.*

ТАНОВУЛ [*а.* تناول – ўз ичига олиш, қамраш; ейиш, ичиш]: **тановул қилмоқ** Истеъмол қилмоқ (емоқ, ичмоқ). *-Қани, бу ёққа, Анвар! – деди махдум. – Таомни шу ерда тановул қилсак ҳам бўлур.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ифтор маҳалида тановул қилмоқ учун кўнгил тусаган нарса, озми-кўпми, дастурхонга муҳайё қилинади.* Н. Сафаров, Наврўз.

ТАНОСИБ [*а.* تناسب – ўзаро алоқа; қариндошлик; бир-бирига мутаносиб ва уйғун бўлиш] **1** Ўзаро мутаносиблик ва уйғунлик. *Ҳолбуки, тасвир ғоят бекаму кўстга ўхшарди: кенг порлоқ манглай, беозор дард*

акс этган ўйчан кўзлар, ажиб ёруғлик таносиби.. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Бир зумда ичкаридан ҳаворанг футболка кийган, қадди-басти таносиб қиз чиқиб келди.* Н. Ёқубов, Жон.

2 *ад.* Шарқ мумтоз шеъриятида: шеър байтларида маъно жиҳатдан бир-бирига яқин, ўзаро муносабатдош бўлган тушунчаларни англатувчи сўзларни қўллаб (мас., *жон-бадан; юз-оғиз-кўз; ҳаж-фарз-зиёрат* каби), улар воситасида образли ифодалар, лавҳалар яратишдан иборат бадиий санъат тури.

ТАНОСИЛ [*а.* تناسل – кўпайиш, урчиш, болалаш] Биологик жинсга оид, жинсий. *Таносил аъзолари.*

Таносил касалликлари Жинсий аъзолар касалликлари. *қ.* **венерик касалликлар.**

ТАНСА *с. т.* Танца, рақс.

ТАНСИҚ [*а.* تنسيق – териш, тизиш; тартиб билан жойлаш; мувофиқлашув; нодир, камёб нарса] **1** Кам қилинадиган ёки бирор жойда кам бўладиган, лекин севиб ейиладиган. *Тансиқ овқат. Тансиқ мева.* ▬ *Қазиқарта, кабоб, палов, бешбармоқ, Қовун-тарвуз, мева, саримой, қаймоқ, Тансиқ ҳисобланган ҳар нимаки бор, Дастурхонимизда сизга интизор.* Уйғун.

2 Умуман, кам топиладиган, кам бўладиган, кам учрайдиган; ноёб. *Адолат извошдаги тансиқ моллар, зеб-зийнат буюмларини кўриб, шуларнинг ҳаммаси бир бригадага тегишли эканига ишонмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. -*Жуда иймансангиз, мана, бир қучоқ гул, бера қоласиз,.. – деди ҳазилсимон Комила. – Ана тансиқ совға!* Ойбек, О. в. шабадалар. [*Тантибойвачча*] *Жондор вагончи каби дўстини ғоят қувонтирган «ажойиб тансиқ ўтириш» ваъдасининг бундай ишкал бўлиб чиққанидан уялди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАНСИҲАТЛИК *айн.* **тансоғлик**. *Шу билан бирга, сизларга узоқ умр, тансиҳатлик, ўқишда ғайрат тилаб қоламан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАНСОҒЛИК Тан-жони соғлик, сиҳат-саломатлик. *Полвон бобо, ундай чил берманг-е, Ҳотам полвонга тансоғлик керак.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ТАНТАЛ [*лот.* tantalum < *юн.* Tantalos – юнон мифологиясида: маъбудлар томонидан абадий очлик ва ташналик азобига маҳкум қилинган Лидия шоҳининг исми] Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кўкиш-кулранг, эриши қийин қаттиқ металл.

ТАНТАНА [*а.* طنطنه – жаранглаш, жаранг; шовқин; ғўнғиллаш] **1** Муҳим воқеа, ҳодиса ва ш. к. муносабати билан ўтказиладиган, ўйин-кулги, хурсандчилик руҳида давом этадиган йиғин, маросим. *Байрам тантаналари. Янги йил тантаналари.* ▬ *Тантана, ҳашаматни севган Ҳусайн Бойқаро уйни тўлдирган ва улуғвор таъзим.. билан ўтирган оломонга фахрланиб қаради.* Ойбек, Навоий. *Қаҳрамоннинг қишлоққа қайтиб келиши катта тантанага айланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Май – баҳор эркаси, ғалаба рамзи, Шаҳар, қишлоқларда тантана, байрам.* Р. Бобожон.

2 Бирор мақсад, фаолият йўлидаги ғалаба, муваффақият ва унинг ифодаси. *Ойбек инсон ақл-идрокининг, адолат ва бахтсаодатнинг тантанаси йўлида ғоят улкан ижодий жасорат кўрсатди.* Газетадан. *Тинчлик учун кураш, гуманистик ғоялар тантанаси учун кураш ишига ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.* Газетадан. *Бу қарашда Зеби қандайдир заҳарли тантанани сезиб, унинг маъносига тушунди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

3 Тўй, хурсандчилик йиғини, маросими кабиларга оид хатти-ҳаракат, шодиёна ишлар. *Қизидан хабар топиб келган Ёрмат уни Шоқосимнинг кулбасидан тортиб олиб кетгач, бой ҳовлисида тўй тантаналари бошланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйда ғалати бир тантана ҳукм сурарди.* С. Зуннунова, Янги директор.

4 Ғолибона, кўтаринки кайфият. *Ҳозир у мамнуният ва тантана билан кулумсираб, Маҳкамнинг яхши волейболчи эканини айтди..* П. Қодиров, Уч илдиз. *Суяр ўзининг қувончини тантана билан эълон қилди: -Бугун инструкторимизни қолдирдим, дада!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Тантана қилмоқ 1) ғалаба қилмоқ, рўёбга чиқмоқ. *Мана мен ҳам бугун мақсадимиз тантана қилишига ишонганим учун шаҳарга тушиб чиқмоқчиман.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) тантанали ҳолатда бўлмоқ, тантана ҳукм сурмоқ. *Тоғда ҳам, пастда ҳам.. – ҳамма ерда меҳнат тантана қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Чиндан ҳам поёнсиз чўлда*

ҳаёт тантана қиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАНТАНАБОЗ [тантана + *ф.* باز – яхши кўрадиган, берилган] Тантанани, асъаса-дабдабани яхши кўрадиган, қуруқ тантаналарга берилган. *Нутқингизда: «Биз сийқаси чиққан ваъдабозлардан, тантанабозлардан.. эмасмиз», дедингиз.* «Муштум».

ТАНТАНАБОЗЛИК Қуруқ тантаналарга берилиш. *Йиғилиш ва конференциялар тантанабозликка айланмаслиги керак.* Газетадан.

ТАНТАНАВОР *айн.* **тантанали.** *Машшоқлар дарҳол «Хон чиқар» дейиладиган тантанавор мусиқани бошладилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Дарвозанинг иккала қаноти очиб қўйилган, ичкарида тантанавор бир кайфият ҳукмрон эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТАНТАНАЛИ 1 Тантанага эга, тантана руҳидаги, тантана билан бўладиган. *Ўшдаги қароргоҳда бу оқшом сизларнинг шарафингизга тантанали зиёфат берилур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Трестдагилар илғор бинокорлар қатори Ёдгорни ҳам тантанали кечага таклиф қилишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Тантана ифодаловчи. *Гўё улуғ бир ҳодиса содир бўлиши кутилаётгандек, еру кўк тантанали қиёфа олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Аҳа, демак, ҳали топганингиз йўқ, – деди Исмоил тантанали бир оҳангда..* Ойбек, Нур қидириб.

3 Асъаса-дабдабали, кўтаринки руҳ билан. *Никоҳ тўйи фавқулодда суронли ва тантанали бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саидғози бу сўзларни оғзини тўлдириб, алоҳида расмий тусда гапиргани учун тантанали жарангларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАНТИ 1 Ўзгаларга ёрдам, сарф ва хизматини аямайдиган, мард; кўнгли ва қўли очиқ. *Бой ва танти куёв харажатларнинг йирик ва майдалигини суриштирмай, чўнтакларидан даста-даста пул чиқарар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *..Бу танти йигит ўз ўртоғи Низомиддиннинг зиндонда ётишига асло йўл қўймайди, деб ҳисобларди у.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Танти, лекин бизга эмас.. Зиёфатларини еган одамлар унга Танти от қўйишган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Алдам-қалдам, ғирромлиги йўқ, ўзаро муносабат, беллашув ва ш.к. да ҳалол. *Азим тажанг қиморбоз эди, шунинг учун ҳам ҳар бир қиморбоз сингари мард, танти.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Танти бўлиб урушайлик, деб Арза бекларга кўрсатди.* «Гулихиромон».

3 *кўчма* Сахий, ҳалол. *Мана қатор-қатор карвон келар Гўзал Фарғонанинг танти еридан.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ўктам ҳам Ўсаржонга қараб, салмоқланиб деди: -Хуллас калом, меҳнатни аяманглар, ана унда бу жой хийла танти бўлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАНТИЛИК Танти одамларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Йигит кўрки эса мардлик, тантилик.* Миртемир. *Тантилик шундай бўлсин: Ҳар ким йиқилса, шу ўлсин, Йиқитган алп тирик қолсин.* «Эрали ва Шерали». [*Тантибойвачча*] *Гуландомга суйкаладди, унинг атлас кўйлаги остида балқиб турган кўкрагини ўйнайди. Кераксиз бўлса ҳам, тантилик учун ҳар хил овқатлар, ичимликлар буюрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАНТИҚ 1 Ортиқ эркалатиб, талтайтириб юборилган, талтайган. *Моҳим – Хоразм хони.. Алломатхоннинг ягона тантиқ қизи, 18 ёшда.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

2 Бўлмағур қилиқлар қиладиган, қилиқлари келишмаган, бемаъни. [*Саидалимхон*] *Ўлгудек тантиқ. Агар бир эркаланишга тушиб кетса, киши қилмаган қилиқларни қилади.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

ТАНТИҚЛАНМОҚ Тантиқлик қилмоқ, талтайиб эркаланмоқ, суюлмоқ. *Эъзозхон очилиб кулди-да, нимчасини ечиб узатди: -Мана, суюнчи, жоним! Тозагул тантиқланди: -Бу билан қутулмайсиз. Чақалоғимга бош-оёқ сарпо қиласиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Рисолат Сабоҳатга ўхшаб тантиқланмади, бамайлихотир ўтираверди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАНТИҚЛИК Тантиқ, эрка шахсларга хос қилиқ, хатти-ҳаракат, хислат. *Боядан бери тантиқликларидан ичида кулиб келаётган Ҳафиза ўзгарди..* Мирмуҳсин, Умид.

ТАНФУРУШ [тан + *ф.* فروش – сотувчи] Эркаклар билан жинсий алоқа ҳисобига кун кўрувчи бузуқ хотин; фоҳиша, ғар. *Фуод афанди танфурушлар гумаштаси бўлиб, қора қабиҳ бир махлуқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАНФУРУШЛИК Ўз танини, номусини сотиб кун кўришлик; фоҳишалик.

ТАНЦА [*р.* танец – доира бўлиб ашула айтиб рақс тушиш < *нем.* Tanz – рақс] **1** Европача рақс (танго, фокстрот, вальс ва

ш. к.). *У модани, танцани, театр ва сайлларни яхши кўрарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Шундай рақс мусиқаси. *Брамснинг венгерча танцалари.*

3 Европача рақс кечаси. *Бахтиёр дамлар кечанинг охиридаги танцада ҳам давом қилиши керак эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТАНЧА *шв. айн.* **сандал** I. *Очиқ танчага писта кўмир солиб.. икки муфти қўлларини оловга товлар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАНҚАБУРУН Учи юқорига кўтарилган ва тешиклари яққолроқ кўринадиган бурун; шундай бурунли одам. *Йирик гавдали, қисиқ кўз, танқабурун бу одам, афтидан, тилла тишнинг шериги эди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ТАНҚАЙГАН Учи юқорига кўтарилган ва тешиклари кўриниб турадиган (бурун ҳақида). *Унинг қўнғир қошлари, осмондай кўмкўк кўзлари, сал танқайган бурни, қалин лаблари кўзларимга иссиқ кўринар, аммо уни қаерда кўрганлигимни эслай олмасдим.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ТАНҚИД [*а.* تنقيد – баҳо бериш мақсадида ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосдаги хулоса] **1** Иш-ҳаракат, фаолият, асар, таълимот ва ш.к. нинг ютуқларини қайд этиш, камчилик ва нуқсонларини белгилаш ва бартараф этиш мақсадидаги муҳокама, таҳлил. *Таҳлил айлаб терсу ўнгингдан, Иккимизни қилади беҳол. Хўп дўппослаб, танқид сўнгида Ижодимга тилайди камол.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Бирор нарсанинг тўғри, ҳаққоний эканини илмий таҳлил этиш, тадқиқ этиш. *Тарихий манбаларнинг танқиди. Матн танқиди.*

3 Адабий фаолиятнинг бадиий, илмий ва б. турдаги асарларни, шунингдек, уларда акс эттирилган ҳаётий ҳодисаларни талқин ва таҳлил қилувчи махсус тури. *Шахсан мен адабий танқид фақат адабиёт учун эмас, умуман, маънавий ҳаёт учун зарур эканини.. яна ҳам чуқурроқ ҳис этдим.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Адабий-бадиий танқид билан адабиётшунослик фанининг бир-бирига яқин томонларидан ташқари анчагина фарқлари ва ўзгачаликлари ҳам бор.* «ЎТА».

4 Камчилик, нуқсон, хатолик ва ш.к. ни қайд этиш, қоралаш, шунингдек, уларни ҳал этиш мақсадида билдириладиган танбеҳли фикр-мулоҳаза, гап-сўз. *Фақат бир нарсани – шу танқидга қарши зўр бир далил топиб, енгиб чиқишни ўйлашар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Танқид бўғилган жойда ҳеч қандай тараққиёт бўлиши мумкин эмас.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Танқиднинг фойдаси катта, ишимизни ўнғариб оламиз, мен буни албатта қиламан.* «Муштум».

Танқид қилмоқ Танқид тарзидаги гап-сўз айтмоқ, танқидий фикр-мулоҳаза билдирмоқ. *У ғўзаларини ўт босган звено бошлиқларининг, сув бостириб юборган сувчиларнинг номларини ёдаки айтиб, танқид қиларди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бўтабойнинг ишларидаги камчиликларни танқид қилганимда, мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАНҚИДБОЗ [танқид + *ф.* باز – яхши кўрадиган, берилган] Бўлар-бўлмасга танқид қилиш, ҳамма нарсадан камчилик излашни яхши кўрадиган шахс.

ТАНҚИДБОЗЛИК Бўлар-бўлмасга танқид қилавериш, ҳамма нарсадан камчилик излаб, қуруқ танқидга берилиш.

ТАНҚИДИЙ 1 Танқидга оид; танқиддан иборат бўлган, танқид мазмунидаги. *Танқидий мақола.* ▬ *Гап танқидий мулоҳазаларга келган экан, яна бир масалада.. баҳслашмоқчиман.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Танқидчилик руҳидаги, танқидийлик руҳи билан суғорилган; танқид кўзи билан қаровчи. *Ўктам ўз чопиғига танқидий разм солади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАНҚИДЧИ 1 Адабий, илмий, публицистик асарларни таҳлил қилиш, уларнинг ижобий ва салбий томонларини, ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ва баҳолаш билан шуғулланувчи адабиётшунос. *Адабий танқидчи. Театр танқидчиси. Кино танқидчиси.* ▬ *Ўйлайманки, роман ҳақида ҳали китобхонлар, адабий жамоатчилик, танқидчилар ўз мулоҳазаларини айтадилар.* С. Кароматов, Олтин кум.

2 *с. т.* Умуман, танқидий фикр-мулоҳаза айтувчи шахс.

ТАНҚИДЧИЛИК 1 *айн.* **танқид 3.** *Таржима танқидчилиги ҳамма вақт ижодий меъёрни аниқлаган ҳолда, ана шу икки «фронт»да кураш олиб бормоғи лозим.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Ада-*

бий танқидчиликнинг биринчи ўргамчик асарлари вақтли матбуот саҳифаларида пайдо бўлди. «ЎТА».

2 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, таълимот, назария ва ш.к. га танқидий ёндашиш, танқидий нуқтаи назардан қараш.

ТАНҚИС [*а.* تنقيص – камайиш, қисқариш, пасайиш; етишмовчилик] Талаб, эҳтиёжга нисбатан оз, етишмайдиган миқдорда; камчил, камёб. *Танқис мол.* ▬ *Шағал, қум олтмиш чақиримдан ташилади – биласан, қурилишда энг танқис нарса шу.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Бирор нарсадан сиқилган, камчилиги бўлган; шу нарсага бўлган талаби, эҳтиёжи етарли даражада қондирилмаган. *Сувдан танқис ерлар.* ▬ [*Қодир:*] *Иш оғир, турмуш оғир.. Эҳтимол, кийим-кечакдан танқисдирлар.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

ТАНҚИСЛИК Танқис ҳолат; етишмаслик, етишмовчилик; камёблик. *Биз кўприк қуриш билан қурилиш материали танқислигидан узил-кесил қутуламиз.* А. Мухтор, Туғилиш.

ТАНҚИСЧИЛИК *айн.* **танқислик.** *Ниҳоят, оилада бўладиган танқисчилик ҳам ўртага тушадиган бўп қолди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ТАНҒИМОҚ 1 Маҳкам сиқиб, ўраб, айлантириб боғламоқ. *Белни танғимоқ. Ярани танғиб боғламоқ.* ▬ *Умар шойи қийиқ билан пешонасини танғиб, каравотга ётди.* И. Раҳим, Ихлос. [*Тамара*] *Бир оз ўзига келгач, сочларини бошига танғиди-да, Ғофирни диванга таклиф қилди.* Қ. Мақсумов, Кутилмаган бахт. *Югурганича ичкари уйга кирмоқчи эди, оқ фартукли, бошига оқ рўмолча танғиган ёшгина хотин чиқиб, уни тўхтатди.* Ойдин, Чақалоққа чакмонча. *Бу ерларда сервиқор тоғлар белига танғилган кумуш камардек темир йўл пайдо бўлди.* Газетадан.

2 Ечилмайдиган қилиб, маҳкам боғламоқ; чандимоқ. *Отни устунга танғиб қўймоқ.* ▬ *Шу пастқам уйига арқон билан танғиб қўйганга ўхшайдилар-а.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жаниш бу бу гал эпчиллик билан ҳалиги қозиқдан латтани олди-да, унинг оёқ-қўлини танғиб боғлади..* Ҳ. Шамс, Душман. *Бола ботинкаси устидан боғланган латтани қаттиқроқ танғиди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ТАНҒИШ 1 Танғимоқ фл. ҳар. н. *Пешонани танғиш.*

2 *тиб. кам қўлл.* Танғиб боғлаш учун белгиланган нарса. *Қон вена ёки капиллярлардан оқса, қаттиқроқ босадиган танғиш билан боғлаш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ТАНҒИҚ(ЛИ) Танғиб, чандиб боғланган, танғилган. *Пешонаси танғиқли йигит Тингламоқда айтганин чолнинг.* Э. Раҳим.

ТАНҲО [*ф.* تنها – бир, ягона, якка-ёлғиз] **1** Бошқа кимсадан, нарсадан холи, якка, ёлғиз. *Ҳамма ёқни сақлар муз тоғидан ғов, Жимликка тикилган бир танҳо ўтов.* Ғ. Ғулом. *Қиз билан йигит суҳбатининг танҳо гувоҳи – осмонда сузиб юрган ой қаршисидаги қора булут парчасига айёрларча секин кириб яширинди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Уйқум қочгач, кўчаларни танҳо айланиб, ширин орзулар оғушида тонг отгунча кезиб юргим келарди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

2 Кимсасиз, ҳеч ким йўқ. *Танҳо кечада фарзанд билан ота ўртасида бўлиб ўтган у учрашувни фақат кўкда сузиб юрган ойнинг кемтик ўроғи кузатиб турарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Бирор жиҳатдан яккаю ягона, тенги, ўхшаши йўқ. *Гилос ширинми ё сен! Ширинликда танҳо сен.* Р. Бобожон. *Ҳусн бобида танҳо десам, ҳунар бобида ҳам танҳо экансан.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин.

4 *кўм. взф.* Айириш, чегаралаш билдиради; фақат. *У даргоҳда ранг бор, олов бор, Танҳогина сен йўқсан, гулим.* Р. Парфи, Кўзлар. *Қани энди, бутун борлиққа танҳо ўзинг ҳукмрон бўлсанг.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАНҲОЛИК 1 Яккаю ягоналик, танҳо эканлик. *Гўзалликда танҳолик.* ▬ *Предметни аниқлаш ёки шахснинг танҳолигини таъкидлаш учун қўлланган «ўз» сўзи ўзлик олмоши деб аталади.* «Ўзбек тили» дарслиги.

2 Ёлғизлик ҳолати; ёлғизликдаги ҳаёт; ёлғизлик. *Унсин туморча шаклли ҳовлида айланади, танҳолик ва ҳасрат унинг юрагини эзади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ойниса ёлғиз қолди. У умрининг кўп қисмини шундай ёлғизликда, хавотирликда ўтказган, танҳоликка кўниккан бўлса ҳам, бу галгиси ниҳоятда оғир туюлди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Кейинги кунларда Авазни яна танҳолик ўртай бошлаган эди.* С. Сиёев, Аваз.

ТАОЛО [*а.* تعالی – баланд бўлишлик, юксаклик; ғурур, мағрурлик; мусулмонларнинг худонинг исмига қўшиб айтадиган улуғлаш сўзи] *дин.* Энг олий, энг юқори кўтарилган (худонинг сифатларидан бири). *Худойи таоло.* ▬ *Ҳасанали севинчисини топширгандан сўнг, дуога қўл очди: -Олло таоло умри билан берган бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Йўқ, – деди эшон, – Йўқ, банданинг иши ҳақ таологa имон келтирмоқ!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАОМ [*а.* طعام – емиш, овқат, егулик] Пиширилган, ейиш-ичиш учун тайёрланган нарса; овқат. *Лаззатли таом. Миллий таомлар. Таом тайёрламоқ. Таом туз билан, туз – ўлчов билан.* Мақол. *Аввал таом, баъдаз калом.* Мақол. ▬ *-Қани, бу ёққа, Анвар, – деди махдум. – Таомни шу ерда тановул қилсак ҳам бўлур.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Тўрдаги ёши улуғлар фотиҳадан сўнг таомларга қарашди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАОМИЛ [*а.* تعامل – ўзаро алоқа, муносабат; ҳамкорлик] Бирор жамиятда, элхалқда одат ҳукмига кирган тартиб-қоида, расм. *Эски таомил. Янги таомил. Таомилга кирмоқ.* ▬ *Тўйнинг тўри азиз меҳмонларга аталади. Урф-одатимиз, таомилимиз шундай.* М. Назаров, Чўлни яшнатганлар. *Тўй кунлари ичкарида самоварни кўпинча эркак киши қайнатиши эскидан бир таомил бўлиб қолган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жанубий Америкага бориб қолсангиз, самолётда кетяпсизми, кинотеатрга кирдингизми.. дарров сақич конфет билан сийлашади. Таомил шунақа!* «Фан ва турмуш».

ТАП I *тақл. с.* Икки нарсанинг бирбирига урилиши ёки бирор нарсанинг ерга зарб билан тушишидан ҳосил бўладиган бўғиқ товушни билдиради. *Олма тап этиб ерга тушди.* ▬ *Ботирали ўзини тап этиб ерга ташлади. Ўқ варанглади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТАП II [*ф.* تفت – тез, шошилинч]: **тап тортмоқ** Чўчимоқ, ҳадиксирамоқ. [*Заргаров:*] *Нимадан тап тортаман!.. Олса, столини олади-да.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Қудрат тап тортмаса ҳам, Қўзибой қўрқиб кетди: жон ҳолатда.. папкасини итга қараб отди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шокирбек сиз ўйлаган кишилардан эмас, асло тап тортмай сўзлай беринг.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАПИЛЛАМОҚ «Тап-тап» урилмоқ, «тап-тап» овоз чиқармоқ. *Раҳим Саидов жўрттага оёқларини тапиллатиб, эшиккача борди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Тун сукунатини фақат водокачканинг тапиллашигина бузмоқда.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАПИРА-ТУПУР *айн.* **тапир-тупур.**

ТАПИРЛАМОҚ Тапир-тапир товуш чиқармоқ.

ТАПИР-ТУПУР *тақл. с.* Кўп ва бетартиб тушаётган оёқ ёки бошқа нарсалардан чиқаётган «тапир» ва шунга яқин товушни билдиради. *Бир оздан кейин жуда кўп от тақаларининг тартибсиз тапир-тупури эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Жуда яқин келиб қолган тапир-тупурдан, бир-бирига асло ўшамаган «ба-ба», «ма-ма»лардан бутун атроф ларзага келарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ташқарида тапир-тупур оёқ товушлари эшитилиб, хонага икки навкар кириб келди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

ТАППА: *Ташламоқ, босмоқ* каби баъзи феъллар билан қўлланиб, шу феъл англатган ҳаракатнинг тезда, шартта бажарилишини билдиради. *Пирнафас ака ўзини ёстиққа таппа ташлади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шакархон уйига лоҳас тортиб қайтди-да, ариқ бўйидаги сўрига таппа ёнбошлаб, чуқур нафас олди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Камола.. чопқиллаганча уйларига кирди-ю, ўзини таппа каравотга отди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Матпано бойвачча йигитни таппа ерга босди-ю, қўлини орқасига қайирди.* С. Сиёев, Аваз.

ТАППА-ТАХТ 1 «Тахт» сўзининг кучайтирма (интенсив) шакли; таппа-тайёр. *Ҳамма нарса таппа-тахт. Сафар анжомларини таппа-тахт қилиб қўймоқ.* ▬ *Донишманд кал, сипоҳийликни ўхшатиб, қўшинни таппа-тахт этиб.. бостириб бора берди.* «Хушкелди».

2 *юкл.* Кучайтиришни билдиради; нақ, роса. *Гулсаранинг бувиси Таппа-тахт кирди юзга. Сочлари қордек оппоқ, Юзи ўхшар кундузга.* Қ. Муҳаммадий. *Водокачка биноси қурилишини тугатиш учун таппа-тахт уч кунлик иш қолган эди.* Газетадан.

ТАППИ 1 Чорва моллари тезагидан рапида шаклида ясаб қуритилган ёқилғи. *Қуруқ таппи. Таппи ясамоқ. Таппи ёқмоқ.* ▬ *У* [*Зебо*] *боғ ва полизга қарарди, ҳовли супуриб,*

уйларни йиғиштирарди, нон ёпиб, сигир соғарди, кир ювиб, таппи қиларди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Бу бесабр жимлик ва қоронғиликда, жинчироқ пирпирагани сари, таппи ёпиб ташланган баланд деворлар билан уч томондан ўраб олинган ҳовли юзи худди ерга чўкиб кетаётгандай эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *кўчма* Ранги таппига ўхшаш, қора. *Аҳмаднинг қўли сомон қориб, гўнг кураб, нақ таппи бўлиб кетган қўллар, қишлоқи ўсмирнинг қўли.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ТАППОТ *шв.* Тафт, ҳарорат; жазира (*яна қ.* **таффот**). *Наҳотки, ўғли чўл таппотлари билан олишишга кетаётганини англамаса!* С. Нуров, Меҳригиё. *Ҳали бўй чўзолмай, таппотда қовжираган гиёҳни кўрмаган киши томчининг қадрини на билсин!* С. Кароматов, Саҳро қўшиғи. *Қарши чўли. Шамол увиллайди, кўчма қумлар гирдоб солади, саратон таппоти юзни куйдирарди.* С. Нуров, Дурдона.

ТАПТ [*ф.* تفت – иссиқ, қайноқ; жазирама] *с. т.* Тафт, ҳарорат.

ТАП-ТАП Тап I с. такрори. *Бирин-кетин тўрт кишининг отдан тап-тап тушгани эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТАП-ТАҚИР Бутунлай тақир, бирорта ҳам тук ёки гиёҳ йўқ. *У [Ҳошимжон ака] тап-тақир, юмалоқ бошини силаб жилмайди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *-Бу тап-тақир даштни олтин водийга айлантирамиз, – деди ишонч ва ғурур билан Ўктам.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТАП-ТУП «Тап», «туп» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Ўриклар ерга тап-туп туша бошлади.* ▬ *От туёқлари бўғиқ тап-туп қилади, эгар-жабдуқлар аста шириқлайди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. *Аравалар ғийқ этиб тўтади. Отлиқлар тап-туп ерга тушиб, бандиларнинг қўл-оёқларини ечиб, пастга ола бошладилар.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ТАР I [*ф.* تر – ҳўл, нам; янги, тоза] **1: тар мева** Ҳўл мева. *Кўпроқ тар мева истеъмол қилсинлар, аммо Бухоро меваси жанобларига зарарлидир.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Тар ғунчани топиб олган асалари унинг ширасига тўймагунча наригисига ўтмас экан.* Э. Самандар, Тангри қудуғи. *Абулғози шу тобда уни бағрига босишни, тар олмадай қизариб турган ёноқларидан, лаъли лабларидан ўпишни истар эди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

2 *шв.* Янги. *Тар очилган тоза боғнинг гулисан, Энанг ҳам онангнинг жону дилисан.* «Рустам». *Ардоқладим авайлаб тар ғунчадек астойдил..* Р. Бекниёз, Тўтиё.

ТАР II *тақл. с.* Баъзи нарсаларнинг йиртилишида ёки баъзи асбобларнинг ишлашида чиқадиган товушни билдиради. *Мотор тар этиб, яна ўчди.* ▬ *Алижон исқирт, зил тўшакни уйдан олиб чиқиб, ҳовлининг бир бурчагига улоқтирган эди, унинг бир томони тар этиб йиртилиб, ичидан пул сочилиб кетди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ТАРАДДУД [*а.* تردّد – бирор қарорга келолмай туриш, иккиланиш; қатъиятсизлик] **1** Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш учун кўриладиган тайёрлик, бажариладиган хатти-ҳаракат. *Имтиҳон тараддуди. Сафар тараддуди.* ▬ *Ҳар икки томон ҳам шу бугундан бошлаб тўй тараддудини кўрадиган бўлдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Умуман, бирор иш, нарсани тайёрлаш, амалга ошириш ҳаракати. *Шарқ уфқида қуёшнинг олтин баркаши тепага кўтарилганда, окопларда фронтча нонушта тараддуди бошланди.* Б. Имомов, Ҳорманг, қуролдошларим. *Элчиев ҳам жамғармасидан яхлитини кўтариб, бозор-ўчар тараддудига тушди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Мулла Алимқул эшикдан кириб келган меҳмон билан кўришиш ва ўз тагидаги кўрпачадан жой бериш тараддудида аста ўрнидан қўзғалди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Қатъиятсизлик, иккиланиш ҳолати; шундай ҳолатда сурилган ўй, фикр-хаёл, ташвиш, мулоҳаза. *Унинг эндиги тараддуди учрашиш ёки учрашмаслик борасида эмас, Раънонинг олдига очиқча боришми, яширинчами тўғрисида эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мен Матлубанинг.. шабадада тўзғиб, пешонасига тушган майин сочларини, тараддуд ифодаси жилоланиб, пар-пар ёнган катта чарос кўзларини кўрдим-у, ўзимдан ранжидим.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *Опа-сингил ўзларини қаёққа қўйишларини билмай, тараддудга тушиб қолдилар, кўчага, йўлга қарадилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. [*Йўлчи*] *Меҳмонхона эшигига келиб, тараддудда қолди: камбағал учун ўз ҳақини талаб қилиш ҳам қийин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАРАДДУДЛАНМОҚ Тараддуд ҳолатида бўлмоқ (**тараддуд** ҳар учала маъносида). *Сафарга тараддудланмоқ. Бозорга тараддудланмоқ. Нима қилишини билмай тараддудланмоқ.* ▬ *Элчибек ўрнидан туриб кетиб, қаёққадир тараддудлана бошлади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Нодира Саодатхонга бир нима демоқчи бўлиб тараддудланди-ю, негадир айтолмади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Менга ҳам Сатторқул акамнинг раис бўлиши маъқулдай туюлди-ку, бироқ раис бўлиб олгандан кейин мени яна кўпроқ ишлатса керак, деб тараддудланиб қолдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Ҳакимбойвачча бу масалада ўзининг узоқ вақт тарадудланганига, ниҳоят, фурсатни қочирганига афсусланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАРАКА [*а.* تركه — қолдирилган нарса; мерос] *эск.* Тақсимлаш, тақсим, бўлиш.

Тарака қилмоқ Бўлиб (тақсимлаб) бермоқ. *Азбаройики, шўролар камбағалпарвар ҳукумат, деб йиққанимни кўпчилик ўртасида тарака қилмай, ҳукумат қўлига бердим.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ТАРАКАН *қ.* **суварак**.

ТАРАКАНА, таркана *эск.* Тақсимлашдан тегадиган улуш, ҳисса. *Муаллимлар.. бир ҳафтагача келиб, тараканаларини олиб кетишларини тавсия қиламиз.. Чунки Асака муассасаларининг.. мактабларнинг остонасигача бўлиб олиш хаёллари бор.* «Муштум».

Таракана қилмоқ *айн.* **тарака қилмоқ** *қ.* **тарака**. *«Менга деса, давлатингизни яланг оёқларга таракана қилиб юбормайсизми!» деб тўнғиллаганча чиқиб кетди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ТАРАКАЧИ *эск. шв.* Мерос тақсимловчи. *Ёдгор, бир тангаси даста мирзосининг котибонасига [хизмат ҳақига] кетган ойликка ўзидан бир танга қўшиб, таракачига берди.* С. Айний, Дохунда.

ТАРАКЛАМОҚ «Тарак-тарак» товуш чиқармоқ. *Совуқдан тишлар таракларди.* ▬ *Узоқда гоҳ-гоҳ автомат тараклаб қўярди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тошларнинг қўрғон кунгураларига тегиб гумбурлаши.. мўғулларнинг даҳшатли сурони, ноғораларнинг тараклаши, карнайларнинг ғат-ғути ҳавони ларзага келтирди.* М. Осим, Ўтрор.

ТАРАЛ(Л)А Беғам-беташвиш айш қилиб юриш; шу тарздаги хурсандчилик, гашт. *Тўй бўлса, сизга нима ғам, аяжон? Сиз ҳам таралани ванг қўйиб юравермайсизми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ўйнаб-кулиб, таралангни тортиб юравер. Сенга «чурқ» этадиганнинг боши ўнта.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Қурилиш раҳбарлари эса парвойи палак. «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар», деб тараллани ванг қилиб юришибди.* «Муштум».

ТАРАЛ(Л)АБЕДОД Беғам-беташвиш айш қилиб юриш; хурсандчилик, гашт (шу тарзда юрадиган шахсларга нисбатан қўлланади). *Таралабедод қилиб юрмоқ.* ▬ *Қачон кўрсанг, таралабедод, хурсанд, хушчақчақ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бировларнинг севгисини хор қилиб, бошқа ёр топиб, таралабедод қилиб юрувчиларнинг адабини бериб қўйиш керак.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *-Асадни ёшлигидан билардим. Ширинтомоқ, маишатга суяги йўқ, тараллабедод, — деди Камол.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ТАРАЛМОҚ 1 Тарамоқ 1, 2 фл. мажҳ ва ўзл. н. *Сув ҳамма эгатга баравар таралади.* ▬ *Ўрмонжон шошиб чиқиб кетди ва бирон соатдан кейин озғин, сочи ўнг томонга жуда ҳафсала билан таралган.. ёшгина бир йигит билан кириб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ёйилмоқ, тарқалмоқ. *Қайси бир узун қулоқ орқали бу гап қамиш тўзғоғидай таралиб кетди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Кумушбиби бошловчи қизлар билан уйга кирди, ундан таралган атир ислари билан уй тўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўн икки ўғил-қизли ота-онанинг донғи бутун мамлакат бўйлаб таралди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.

3 Ҳар томонга кетмоқ, тарқалмоқ. *Қизлар мусиқий асбобларни қучоқлаб, қўрқаписа, ғинг демасдан, ҳар ёққа таралдилар.* Ойбек, Навоий. *Чипор товуқ ҳам зўр ташвиш билан қақағлаб, таралиб юрган жўжаларини қаноти остига чақирарди.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз.

ТАРАМ 1 Соч, соқолнинг тароқдан ўтказилиб силлиқланган ҳар бир тутами, қисми. *Бир тарам соч.* ▬ *Сочингиз тарамлари ипакдан силлиқ.* Миртемир.

2 *кўчма* Толаланиб, бўлакланиб, маржон каби оққан сув, кўз ёши ҳақида. *Хотинининг ҳар кўзидан етмиш тарам ёш тўкилиб, юзгиналарига ёйилиб..* «Ойсулув».

ТАРАМОҚ 1 Тароқ ёки бошқа бирор нарса билан соч, соқол ва ш.к. нинг чигилини ёзмоқ, текисламоқ. *Шундан кейин сочларини бир томонга силлиқ тараган тилла тишли йигит қўл кўтарди.* Н. Аминов, Суварак. *Отам ўйланиб қолди. Соқолини бармоқлари билан таради.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Қоронғида сокин турган отнинг бўйнидан қучоқлади, бармоқлари билан ёлини таради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ювиб-тарамоқ Озода тутиб, парвариш қилмоқ. *Мен укаларимни ювиб-тараб, кечқурун бир қошиқ обиёвғон қайнатиб, етимлигини билдирмасликка уриндим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *қ. х.* Ариқ-жўякларга сувни бир меъёрда тақсимлаб оқизмоқ, таратмоқ. *Жўяк олинган жойларда тажрибакор сувчилар чанқаган ғўзаларга сув тарардилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шермат ота икки гектарлик картага сув тараб бўлди-да, эгатларни кўздан кечириб, ўқариқ бўйига чиқди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

3 *кўчма поэт.* Ёймоқ, сочмоқ. *Қорли тоғлар орқасидан Атлас сочин тараб қуёш, Гоҳ мўралаб, ўйнатар қош, Ханда сочар дудоғидан.* Ғайратий.

Ток(ни) тарамоқ Ток новдаларини бирбиридан ажратиб, таратиб, бағазларга боғламоқ. *Боғбон боққа қаролмапти, токларини таролмапти..* Ё. Шукуров, Асарлар.

ТАРАМ-ТАРАМ Ранг ёки бошқа жиҳатдан узун-узун йўлли, йўл-йўл. *Тарам-тарам олма. Тарам-тарам тарвуз.* ▬ *Ҳовлидаги ёнғоқ ва ўрикларнинг қорамтир барглари ва бута ораларини тарам-тарам қизғиш нур ёритмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг баданлари қамчи изларидан тарам-тарам титилиб, мўматалоқ бўлиб кетди.* А. Пўлат, Ўқлар чақнаган дамларда.

ТАРАН [*р.* таран – девортешар қурол < *нем.* Tarant – қамал қуроли] **1** *тар.* Қалъа ва унинг дарвозаларини бузишда қўлланадиган, узун йўғон ходадан иборат, занжирга осиб боғланган қадимий ҳарбий қурол. *Искандар усти ёпиқ, ғилдиракли таранлар ясаттирди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 *ҳарб.* Душман самолёти, кемаси ёки танкига ўз самолёти, кемаси ёки танки билан зарба бериш. *Ўқларим тугади, самолётимни таранга олиб бормоқдаман.* Газетадан.

ТАРАНГ [*ф.* ترنگ – ўқ отилганда камон ипидан чиқадиган товуш] **1** Қаттиқ тортилган, солқа ёки бурушиқ жойи қолдирилмасдан керилган. *Таранг тортилган арқон.* ▬ *Нафиса кўрдики, ип жуда таранг тортилди, энди ширт этиб узилиб кетиши мумкин.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Бу тор, таранг кийимда унинг келишган қомати янада бўртиб турарди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Тўлишиб силлиқ тортган, текис. *Таранг сийналар қора кофтага сиғмай, қўш чўққига айланган.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Бир неча кун ичида Нодиржоннинг эти устухонига ёпишди, энли, таранг пешонасида ажинлар пайдо бўлди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

3 *кўчма* Айрим сўзлар билан қўлланиб, нарса, ҳолат кабиларнинг юқори даражасини, сўнгги чегарасини билдиради. *Унинг бутун вужуди ҳаяжон билан таранг тортилган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *..унинг уятчан кўзларига кўзи тушиб, таранг асаблари бирдан бўшашиб кетди.* С. Нуров, Нарвон. *Саломхонадаги таранг вазият бир оз юмшагандек бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Низомжон ана шу оилада, ҳамиша таранг рўзғор ичида ўсди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Таранг қилмоқ 1) таранг ҳолга келтирмоқ. *Арқонни таранг қилмоқ;* 2) ялинтириш ва ш.к. мақсадда рози бўлмаслик, кўнмаслик. *Шундай пайтларда Ҳури жуда очилиб кетар, гали келганда, ҳеч таранг қилмай, қўлидан келганини кўрсатар эди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Келинни аравада олиб келишаётганларида, гузарларда тўсишарди.. соврин тилаб, атайин таранг қилишарди..* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТАРАНГЛАМОҚ Тортиб ёки кериб, таранг ҳолга келтирмоқ. *Дорни таранглaмоқ. Дуторнинг ипини таранглaмоқ. Матони таранглаб, гул тикмоқ.* ▬ *Участка этагидаги икки йигит симни таранглаб, белги қилинган туғмачани назорат чизиғига баравварлади.* Р. Раҳмон, Тиниб-тинчимас.

ТАРАНГЛАШМОҚ Таранг ҳолга етмоқ (**таранг** тўғри ва кўчма маънода). *Йигитали сувдан руҳи енгил тортиб чиқди, таранглашган баданларида қайта бардамлик пайдо бўлди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *..бойвачча гоҳ асаби таранглашиб, милтиғини қўлга олар, гоҳ бўшашиб, ёнига қўярди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Эркин институтни тамомлаб, илмий иш билан шуғуллана бошлаган*

пайтда муносабат янада таранглашди. Газетадан.

ТАРАНГЛИК Таранг ҳолат (**таранг** тўғри ва кўчма маънода). *Бўғизда тиқилиб, ўртада тўлиб турган нафасни фақат сарбаст гап билан, ўртадаги тарангликни йўқотувчи эркин сўз билан ўнглаш мумкин эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Йўқ, Шерали Назарович, — деди ҳамон таранглигидан тушмаган Расулжон, — тўғри айтдингиз.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТАРАНМОҚ Сочларини тараб, у ёқ-бу ёқларини тартибга келтирмоқ. *Танноз тарангунча тўй ўтар.* Мақол. ▬ [*Элмурод*] *Ювинди, таранди ва сўнгра айвондаги сандалга ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ювиниб, тараниб, тоза кийинган қиз заргар қўлидан эндигина чиққан узукка ўхшайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТАРАННУМ [*а.* ترنّم — куйлаш, ашула айтиш; сайраш, гўзал сўзлаш] *поэт.* Куйлаш; куй. *Аллаловчи ва фараҳбахш нозик тараннум Севги меҳри билан мени ҳар нафас қучар.* Ғайратий.

Таранум этмоқ (*ёки* **қилмоқ)** 1) куй ижро этмоқ, куйламоқ; 2) *кўчма* мадҳ этмоқ, мақтамоқ, куйламоқ. *Шоирлар шеърларида таранум этган гўзал боғ!* Ойбек, Навоий. *Мардлик сенда, ҳарорат сенда, Таранум қил севги эртагин.* Р. Бобожон.

ТАРАНТАС [*р.* таратайка < карандас — одам ташийдиган арава тури] *эск.* Одам ташийдиган тўрт ғилдиракли арава. *..Чорраҳаларда чиройли тарантаслар, отлари тумшуғига кийгизилган тўрвадан сули чайнаяпти.* А. Мухтор, Чинор. *Фойтун қиммат бўлгани учун, энди мен тарантас деган узун аравага тушдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ТАРАТМОҚ 1 Тарамоқ фл. орт. н. *Сочини таратмоқ. Жўякларга сув таратмоқ.*

2 Еймоқ, сочмоқ, тарқатмоқ. *Кабобпазнинг елпиғичи мовий дудлар билан ёқимли ҳид таратади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Осмонни тўлдириб учган қушларни айтинг: улар ҳам ҳузур бағишлаб, Кўкорол кўкида ёқимли куйлар таратар эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сахий ёз қуёши оламга нур таратади, қабристон ҳам кўм-кўк..* Газетадан.

ТАРАФ [*а.* طرف — чет, чекка, уч; охирги, сўнгги нуқта; чекка жой; ён, томон] *айн.* **томон 1-4**. *У тараф. Бу тараф. Ҳар тараф.* ▬ *Ўрданинг ташқариги қисмининг уч тарафи (жануб, шарқ, ғарб) биносиз, фақат қўрғон деворларининг зиналари эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кундузи қум тарафдан илиқ, нафасни қайтарадиган шамол эсади.* С. Аҳмад. Уфқ. *Ҳар икки тараф, ким ўзар ўйнагандек, оташ мақтовлар билан бир-бирини ўққа тутди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Шунинг учун бошқа ўйинларни қўя туриб, мажлиснинг энг қизиқ тарафи бўлиб саналган лапар айтишга кўчдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..ҳар икки тараф ўртасидаги вазият тобора кескинлашиб борарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Айтмади, сўрасам, гапни бошқа тарафга чалғитди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тарафини олмоқ Тарафдор сифатида ҳаракат қилмоқ, бирор томонни ҳимоя қилмоқ, қўллаб-қувватламоқ; у ёки бу тарафга бўлишмоқ. *Жанжал чиққан вақтларида подшо камбағалларнинг эмас, бойларнинг тарафини олар экан.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Курашувга, беллашувга, баҳслашувга хоҳиш билдирувчи шахс, талабгор. *Бирор шаҳарга келганида, унга* [*Қулматқорага*] *тараф чиқмай қолса борми, бундай шаҳарнинг йигитлари йигит ҳисобланмасди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ишбоши: -Қани, тараф борми? — деб, полвонларни майдонга чақирганда, нима бўлди-ю, таваккал қилиб, ўрнимдан туриб кетдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тараф йўқ Бас келадиган, беллаша оладиган, тенглашадиган киши йўқ. *Унинг* [*Валижоннинг*] *одамохунлиги, кўнгилчанлигига тараф йўқ.* Ҳ. Назир, Олмос. *Гапдан гап чиқаришга сенга тараф йўғ-а, хотин..* А. Муҳиддин, Ҳадя.

3 *фольк.* Душман, ғаним. *Қашшоқларга бойлар кўп тараф бўлди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Мен ўлмасам, тараф босмас изингни.* «Юсуф ва Аҳмад».

4 *кўм. взф.* (*3-ш эгалик ва ч. к. шаклида*). Томонидан, жиҳатидан. *Ўз ёнларидан сарф қилиш учун ақчалари йўқ, ҳукумат тарафидан бериладиган овқатнинг салмоғи йўқ эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАРАФАЙН [*а.* طرفين — «тараф» с. иккилик сони: ҳар икки тараф] *эск. кт.* Даъвогар ва жавобгар ёки баҳслашувчи, курашувчи, олишувчи томонларнинг ҳар иккиси; томонлар, тарафлар. *Тарафайнларни сўроқ қилмоқ.* ▬ *Тарафайн бир-бирлари билан тани-*

шиб кўришгандан сўнг, марказ вакили идорани бу йилги зўр муваффақият билан табрик қилади. А. Қодирий, Обид кетмон. *Тарафайнларнинг гаплари эшитилгандан кейин, суд ҳукм мажлисига кирди.* А. Мажидий, Инжиқ зиёратчи.

ТАРАФ-БАТАРАФ *қ.* **тарафма-тараф.** *Деҳқонлар, боғбонлар чойхоналарни тўлдириб ўтиришади-да, тараф-батараф аскиябозлик қилишади.* Б. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас.

ТАРАФДОР [*а. + ф.* طرفدار – тарафини олувчи, ёқловчи, ҳимоя қилувчи] **1** Бир-бирига қарши бўлган томонлардан бирига ён босувчи, уни қўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчи шахс. *Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқиб кетсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бобур бу гал яна алданмаслик учун шаҳар ичидаги тарафдорларининг ҳеч бирига хабар бермасдан.. таваккал қилиб келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бирор ғоя ёки ҳаракатни ҳимоя қилувчи, шу ғоя, ҳаракат учун курашувчи шахс, ташкилот ва ш.к. *Тинчлик тарафдорлари.* ▬ *Бетоб бўлиб Ўшга келолмаган Хўжа Абдулло ҳам Бобурнинг Самарқандга қўшин тортиб боришига тарафдор эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТАРАФКАШ [*а. + ф.* طرفكش – тарафини олувчи, тарафдор] **1** Бирор томоннинг тарафини олувчи; тарафдор. *Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафкашларнинг кўзлари ола-кула, юраклари така-пука бўлиб, нафаслари ичига тушиб кетди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Қарши чиқувчи, курашувчи, беллашувчи; талабгор. *-Бургутнинг йигитлари ҳали курашда елкаси ер кўрмаган полвонлар. Ҳозир бу полвонларга Фарғона томонда тарафкаш йўқ, – деди йигит.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

3 Тараф-батараф бўлиб курашувчи; гуруҳбоз. *Менинг қишлоғимда тарафкашлар кўп... Бир-бирини ковлайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАРАФКАШЛИК Тарафкаш бўлиш, тарафкаш бўлиб иш тутиш. *Жанжал бир нафасда тарафкашликка айланиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАРАФЛАМА: Миқдор билдирувчи (*бир, икки* каби) сўзлар, шунингдек, *ҳар* сўзи билан қўлланиб, шу сўзлар билдирган миқдорий нисбатни англатади. *Масалани бир тарафлама ҳал қилмоқ.* ▬ *Кекса, танилган ёзувчи ўсиб келаётган ёш авлодга ҳар тарафлама кўмаклашуви керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАРАФЛИ Тарафи, ёни бўлган. *Икки тарафли пичоқ. Бир тарафли мовут.*

Бир тарафли бўлмоқ У ёқли ёки бу ёқли бўлмоқ; бирор томон фойдасига ҳал бўлмоқ. *Отабек иш бир тарафли бўлгунича ўзининг қочмаслиги учун кафил беришга мажбурдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир тарафли қилмоқ** У ёқли ёки бу ёқли қилмоқ; бирор томон фойдасига ҳал этмоқ.

ТАРАФМА-ТАРАФ Тараф-тараф бўлиб, тарафларга бўлиниб. *Кўчада Витя, Сарсенбой, Остап ва қўшни болалар тарафма-тараф бўлиб, тўп тепишмоқда.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Тарафма-тараф бўлиб тортишувлар, ёр-ёр айтишувларни айтмайсизми..* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТАРАШ I **Тарамоқ** фл. ҳар. н. *Сочни тараш. Сувни тараш. Тараш машинаси.* ▬ *Лаъли ишвали кўзлари билан унга ҳар қанча термулиб боқмасин, бек ўз оти билан, унинг.. ёлини тараш билан машғул.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТАРАШ II [*ф.* تراش – кесиш; қириш, қиртишлаш] Кесиш, йўниш, қиртишлаш, қириб текислаш. *Идишлар қуриб, тарашдан чиққан, [Қулмуҳаммад] гилвата қуярди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ТАРАША [*ф.* تراشه – силлиқланган, тарашланган нарса; ёғоч парахаси, қириндиси] **1** Ёриб майдаланган ўтин. *Қуруқ тараша. Тараша тайёрламоқ.* ▬ *Кўмир йўқлигидан, тараша чўғи танчани бирпас бозиллатиб сўнган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кейин у айвондаги самоварни пуфлаб, ўтхонасига тараша ташлай бошлади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *кўчма* Қуруқ, қаттиқ нарса ёки қотма одам ҳақида, *Унинг қўллари бамисоли тараша.*

3 Шундай қотма, «қуруқ» одамнинг исмига қўшиб айтиладиган лақаб. *-Полвон, бас, Ҳамзахонни чарчатиб қўймайлик, – деди Маҳмуд тараша..* К. Яшин, Ҳамза.

Томдан тараша тушгандай Кутилмаган(да), бирдан, тўсатдан; ўйламай-нетмай.

Холиқнинг томдан тараша тушгандай гаплари тағин кулгимни қистатди. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Қизиқ, туппа-тузук йигит, у йўқ-бу йўқ, томдан тараша тушгандай.. бирдан совчи юборгани қанақаси.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ТАРАШЛАМОҚ 1 Силлиқ, текис қилиб олмоқ, қирмоқ (соч, соқол, жун ва ш.к. ни). *-Сиз, — деди Азмиддин, калта, сийрак соқолини пўрим тарашлаган Бўронбекка қараб..* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ўн олти ёшидан бери соқол олдирадиган сермўй Очил ҳозир уч кунда бир юзини тарашларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Йўниб, қириб ва б. йўл билан ишлов бермоқ, силлиқламоқ. *Инсон қўли билан тарашлангандай силлиқ, тўртбурчак харсанглар бу ерда жуда кўп.* С. Анорбоев, Оқсой. *..йигит ўзидан уч-тўрт қадамча нарида ғишт тарашлаб ўтирган кекса одамга ўзга тилда бир нима деди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *кўчма* Қириб-қиртишлаб, бутунлай йўқотмоқ, йўқ қилмоқ. *Насибани аллақачон кўнглимдан тарашлаб ташлаганим учун ҳам индамай қўя қолардим.* О. Ёқубов, Тилла узук.

ТАРАҚ I *тақл. с.* Икки қуруқ нарсанинг бир-бирига қаттиқ урилишидан чиққан товушни билдиради. *Тарақ этиб эшикни ёпмоқ.* ▬ *Хола тарақ этказиб, бўш челакни ерга қўйди.* Газетадан.

ТАРАҚ II: Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўз англатган нарсанинг юқори даражасини билдиради. *-Пичоғимиз мой устида денг! Касод бўлиб қолган бозоримиз яна тарақ бўлар экан-да! — деди кавушдўз ака Наврўзга.* М. Осим, Элчилар. *Битта-яримтаси ваҳималироқ бир гап эшитдими, дарров мол нархини оширадилар. Уруш баҳона бўлди уларга. Бизнинг хўжайин-чи? Иши тарақ!* Ойбек, Танланган асарлар. *Кайфи тарақ Тантибойвачча Салимни юпатиш учун ичкиликни мўл ичирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биринчи қалин қордан кейиноқ қақшатқич изғиринлар бўлиб, ҳамма ёқ тарақ музлади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТАРАҚ(А)-ТУРУҚ 1 *тақл.с.* «Тарақ» ва шунга яқин товушларни билдиради. *..оломон бир-бирига аралашиб, тарақа-туруқлар, қиличларнинг жаранги, отларнинг кишнаши дашт сукунатини бузиб юборди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Эшик тарақ-туруқ очилиб, кўн этигини дўқиллатганча, акаси Мўмин кириб келди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар.

2 *кўчма с.т.* Ортиқча, кераксиз нарса, хатти-ҳаракат кабилар ҳақида. *Бунақа тарақа-туруқларнинг нима (кимга) кераги бор?!*

ТАРАҚЛАМОҚ 1 «Тарақ», «тарақ-тарақ» товуш чиқармоқ, тарақ этмоқ. *Кўча томонда бир нарса тарақлади. Аёл қўлидаги қошиқни қўйди-да, югуриб дераза олдига борди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Эшик тарақлаб очилиб, кимдир Мунавварни қучоқлади.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 *кўчма* Иш-фаолият, нарса ва ш.к. нинг авжида, юқори даражада бўлишини билдиради. *Тарақлаган участканинг бекасиман, Эргинамнинг жондан суйган эркасиман.* «Муштум». *-Иш тарақлаб, пул кўпайгандан кейин, бирваракай ички-ташқи данғиллама имора̄т соламан, — деди-да, ёмонгина ҳовлини ижарага олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАРАҚҚИЁТ [*а.* ترقّيات — юксалиш, олға ҳаракатланиш, ривожланиш, ўсиш] Ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига йўналган шакли, унинг юксалиши. *Тарихий тараққиёт. Техника тараққиёти. Кишилик жамиятининг тараққиёт босқичлари. Фан ва маданиятнинг тараққиёт даражаси.* ▬ *Мана, тараққиёт даври келиб, шаҳарлар қайта қурилмоқда..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи кучлар кенг кўламда ривожланмоқда, фан-техника тараққиёти авж олмоқда.* «Фан ва турмуш».

ТАРАҚҚИЙ [*а.* ترقّى — кўтарилиш, юксалиш, ривожланиш] *кам қўлл. айн.* **тараққиёт.** *Агар биз жаҳду жадал қилиб, бу жаҳолат ботқоғидан қутулмасак, тараққий йўлини тутмасак.. яқин ўртада биз мусулмонларнинг муқаддас ерларимизни ҳам босиб оладилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тараққий этмоқ (*ёки* **қилмоқ, топмоқ**) Ўсмоқ, ривожланмоқ, юксалмоқ; мукаммаллашмоқ. *Тараққий топган мамлакатлар.* ▬ *Қадимда қайси шаҳар тараққий этиб, обод бўлган бўлса, унинг сабабини тарих китобларида савдо йўли ўтганлигида, деб ўқитилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТАРАҚҚИЙПАРВАР [*а.* + *ф.* پرور — тараққиёт тарафдори, ҳимоячиси] Тараққиёт тарафдори, тараққиёт, юксалиш учун курашувчи. *Тараққийпарвар ёзувчи. Тараққийпарвар инсоният.* ▬ *Унинг* [*«Хуршид» газетасининг*] *бошқармаси.. Шариф охунд деган тараққийпарвар бир одамнинг меҳмонхона-*

сида экан. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *У кўпинча тараққийпарвар зиёлиларга яқин алоқада бўлди.* Ойбек, Нур қидириб.

ТАРАҚҚОС [*а.* ترقّاص – сакраш, типирчилаш; ўйинга, рақсга тушиш] **1** *айн.* **қумой.**

2 *кўчма* Жуда хунук, таъвия. **Таъвияий тараққос** *айн.* **таъвия-тараққос.**

Тараққос бойламоқ *фольк.* Гижинглаб турмоқ (от ҳақида); ноз-ишва қилмоқ. *Ғирот Авазни кўриб, учадиган қушдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб ўйнай берди.* «Балогардон».

ТАРАҲҲУМ [*а.* ترحّم – раҳм қилиш, ғамхўрлик, марҳамат]: *эск. кт.* Раҳм, раҳм қилиш, марҳамат. *Али Акбарнинг Мирзога ишончу ихлоси бўрининг қўйга тараҳҳумидек иш эди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Ҳасаналининг юзига падарона тараҳҳум туси кириб, кексаларга хос оҳангдор бир товуш билан бекнинг устидаги оғир юкни ола бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тараҳҳум этмоқ (*ёки* **қилмоқ, айламоқ**) Раҳм, шафқат қилмоқ. *Умид қиламизки.. қизимизнинг кўз ёшига тараҳҳум этиб, айиртириб қўйсангиз.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Аслим сўрсанг – хонзодаман, қаддингдан, Тараҳҳумлар қилгин менинг ҳолима.* «Ойсулув». *Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтирди, Тараҳҳум айласун ул шўх жонон, бир келиб кетсун.* Ҳамза.

ТАРБИЯ [*а.* تربيّه – ривожлантириш; парвариш қилиш, ўстириш; ўргатиш; илм бериш] **1** Таълим, ахлоқ-одоб ва ш.к. ни ўргатиб, сингдириб, инсонни вояга етказиш, улғайтириш, ўстириш. *Интернат тарбиясида ўсган бола.* ▬ *Абдураҳмон.. отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди.* А, Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қиз ўн олти ёшгача бу оилада, музика муаллими бўлган камбағал амакининг тарбиясида ўсди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Инсонда иш-ҳунар, одоб-ахлоқ ва ш.к. ни шакллантириш, ривожлантиришга, унинг жамиятда яшаши учун керак бўлган хислатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган иш-амаллар мажмуи ва шу йўл билан сингдирилган одоб-ахлоқ, хислат, фазилат кабиларнинг ўзи. *Сиёсий тарбия. Ғоявий тарбия. Мактаб тарбияси. Тарбияси бузуқ одам. Тарбияси яхши бола.* ▬ *Ёш авлод тарбиясида юқори самарага эришиш учун бир қатор шарт-шароитлар барқарор бўлиши лозим.* Газетадан. *Болалар китоби тарбия учун ёзилади, тарбия эса буюк иш.* «Саодат».

Тарбия бермоқ Тарбия хизматини амалга оширмоқ, тарбияламоқ. *Болага оила ҳам, мактаб ҳам тарбия бериши, одоб-ахлоқ ўргатиши шарт.* Газетадан. **Тарбия олмоқ** (*ёки* **кўрмоқ, топмоқ**) Тарбия орттирмоқ, тарбияга эга бўлмоқ. *Хорст Шустер ўн ёшгача мактабда шундай тарбия олган: «Уруш жуда қизиқ нарса бўлади. Катта бўлганингда, бир ўзинг юзта душманни ўлдирасан..»* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Заргаров узун сўздан хулоса чиқариб: -Мен ёшлигимда шундай тарбия кўрсам, ҳозир ерда туриб, ойда чорвачилик қилар эдим, – деди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Мундоқ жойда тарбия топган киши қандоқ олим.. инсофли ва шафқатли бўлса керак.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Маълум тартиб, усул асосида қараб, ишлов бериб ўстирмоқ; парваришламоқ (ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида). *Ғўза тарбияси оғир иш.*

Тарбия қилмоқ 1) тарбиялаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ, улғайтмоқ (*қ.* **тарбия 1**). *Ўн бир ёшлик Темир, тўққиз ёшлик Қобил ва Анварларни тарбия қилиш оғирлиги Нодиранинг устига тушди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) илм-ҳунар бермоқ, одоб-ахлоқ ўргатмоқ, тарбиялаб бирор хислат-фазилатни сингдирмоқ (*қ.* **тарбия 2**). *Шунча таҳсил ва тарбия берганларингиз учун раҳмат!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) парвариш қилмоқ (*қ.* **тарбия 3**). *Ҳали нишона қилмаган мевани ҳисобга киритасанми? Аввал тарбия қил, гулласин, ундан кейин мевасига сават тўқисанг арзийди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бузоқлигидан ўзи тарбия қилган, унга ўрганган эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

Жисмоний тарбия *қ.* **жисмоний.**

ТАРБИЯВИЙ Тарбияга оид; тарбия учун хизмат қиладиган. *Тарбиявий ишлар. Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асар.*

ТАРБИЯЛАМОҚ 1 Боқиб ва таълим бериб катта қилмоқ, вояга еткизмоқ, ўстирмоқ. *Ўн бир болани тарбиялаган она.* ▬ *Раҳмат, она, Ботиралидек ўғилни туққанингиз, тарбиялаб ўстирганингиз учун раҳмат!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Илм-ҳунар бериб, одоб-ахлоқ ўргатиб етиштирмоқ. *Мактабимиз тарбиялаган бо-*

лалардан кўп олимлар етишиб чиқди. ▬ *Ким айтади буни оғир қиз деб, олов-ку! Тўғри, сал ёввойилиги бор. Аммо ўзим тарбиялаб оламан.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

3 Мунтазам, изчил тарбия йўли билан ғоявий, маънавий ёки бошқа жиҳатдан шакллантирмоқ, етиштирмоқ. *У ўзбек санъатининг фахри бўлиб қолган кўпгина талантли артистларни тарбиялаб ўстирди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Айни пайтда ҳар бир тошкентликда ватанпарварлик туйгусини, шаҳар бойлигига бойлик, чиройига чирой қўшишга.. бўлган интилишни собитқадамлик билан, изчил тарбиялаш керак.* Газетадан.

4 Парвариш қилмоқ, *Бу кўчатларни ўзимиз тарбияладик.*

ТАРБИЯЛАНУВЧИ 1 Тарбияланмоқ фл. сфдш. *Тарбияланувчи ёшлар.*

2 Тарбия олувчи, тарбияда бўлган шахс. *Тарбияланувчиларни доим эътиборда тутиш керак.*

ТАРБИЯЛИ Тарбия кўрган, яхши тарбия олган. *Тарбияли ёшлар.*

ТАРБИЯСИЗ 1 Тарбия олмаган, ахлоқсиз. *Тарбиясиз бола.* ▬ *Тарбиясизнинг бир қилиғи ортиқ, деган мақол бор.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Шу маъноси билан ҳақорат учун қўлланади. *У автобусдан тушиб, ловуллаб турган қулоғини ушлаганча, Ҳожига қаради ва бисотидаги энг оғир, энг даҳшатли ҳақоратни ишлатди, яъни «тарбиясиз!» деди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТАРБИЯТ *эск. кт. айн.* **тарбия 1.** *Ким кучук бирлан хўтикка Қанча қилса тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, Аслоки бўлмас одами.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ТАРБИЯЧИ Тарбия берувчи шахс, мураббий. *Боғча тарбиячиси. Тарбиячи аёл.* ▬ *Унинг ғурур тўла кўзлари.. устозларига тикилар, ота ўрнида оталик қилган ҳурматли Давроновга, жонкуяр тарбиячи Нафиса хонимга чин қалбидан миннатдорлик билдиргиси келар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Абдулла Қаҳҳор ёшларнинг.. том маънодаги тарбиячиси эди.* Газетадан.

ТАРВАЙМОҚ Ёйилиб ялпаймоқ, керилмоқ. *Кундузи билан қурбақадек тарвайиб, узун тераклнинг қоқ тепасида турган катта булут парчаси киши таъбини хира қиларди.* Ибохон, Улуғ кун. *Элмурод Абдурасулнинг ёнига ўтиб, оёқлари тарвайган «эшак»нинг бир четига ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАРВАҚАЙ *кам қўлл.* Шохлари атрофига ёйилган ҳолатли. *Мен ҳовлимга бордим, болалигимда кўрганларимдан ёлғиз шу жийда қолибди — тарвақай, ғадир.. қадимгидек.* Миртемир.

ТАРВАҚАЙЛАМОҚ 1 Ёйилиб, ҳар томонга шох отиб кетмоқ (дарахт ҳақида). *Ҳар ёққа тарвақайлаб ўсган бесўнақай, қари толларнинг кўланкаси қуюқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ёнига, атрофига чўзилмоқ, кенг очилмоқ. *Мешдай қаппайган қорни юрганида ҳам силкинар, тирсиллаб турган оппоқ елини сонларига шалоп-шалоп урилар, ўрта қўлдай йўғон-йўғон, тарвақайлаб кетган эмчакларидан йўл-йўлакай сут тиз-тиз тирқирарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Э, бўлди, бўлди, — лаблари тарвақайлаб илжайди Ҳалимбой.* Ф. Мусажонов, Нозик масала. *Раҳимнинг оғзи тарвақайлаб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Ялпаймоқ; лапангламоқ. *Синфга узун малла тўн, кўк духоба дўппи кийган, қипқизил юзли, ўрта бўйли бир киши тарвақайлаб кириб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАРВИЖ [*а.* ترويج — тарқатиш, ёйиш, сотиш; муомалага киритиш] *эск.* Тарқатиш, ёйиш, оммалаштириш; муомалага, амалга киритиш. *..дин томонидан тарвиж этилган бу хаттотлик санъати яхши тараққий қилган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ТАРВУЗ Қовоқдошлар оиласига мансуб, палак отиб ўсадиган бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ейиладиган юмалоқ ёки овалсимон, қизил гўштли, серсув ҳосили. *Тарвуз уруғи.* ▬ *Ўроз қаердандир катта тарвуз келтириб, ўртага қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Поезд билан баравар ғарбга кетаётган қуёшнинг сафари тезлашди ва у, кесилган қизил тарвуз палласидек, ўрмон дарахтларига илиниб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Тарвузи қўлтиғидан тушмоқ Умиди пучга чиқмоқ; ҳафсаласи пир бўлмоқ. *Дафндан сўнг тўй бир йилсиз бўлмаслигини эшитиб, қари куёв, тарвузи қўлтиғидан тушиб, қишлоғига хомуш қайтиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қудрат тарвузи қўлтиғидан тушгандай бўшашди, кўзларига ғилт-ғилт ёш олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТАРЕЛКА [*нем.* Teller] **1** Чети бир оз кўтарилган, туби кенг, ясси ошхона идиши; ликопча. *Чинни тарелка. Бир тарелка ҳолвайтар.* ▬ *Ошқовоқдан пиширилган қозон сомсани тарелкага тузаб.. уларнинг олдига олиб бориб қўйиб, Ўзи уйга кириб кетди.* С. Зуннунова, Олов.

2 *мус.* Бир-бирига урилувчи иккита металл баркаш шаклидаги урма чолғу асбоби.

3 Афсона тарзидаги, тарелкага ўхшаш, осмонда учиб юрувчи номаълум жисм. *Учар тарелкалар.* ▬ *Юлдуз деса, юлдуз эмас, Ё йўлдошми бир дайди. Ҳар ҳолда, у шов-шув солган Тарелкага ўхшайди.* А. Орипов, Йиллар армони.

ТАРЁК [*а.* ترياق < *юн.* teriakon – зиддизаҳар, ҳайвон заҳарига қарши дори] Афюн, қорадори. *Баъзан.. узундан-узун хаёллар Меъморни қуршаб олиб, бир муддат тарёку наша элитган одамдай, бир нуқтага тикилганча хаёл суриб қоларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАРЖИМА [*а.* ترجمه – бир тилдан иккинчи бир тилга ағдариш, ўгириш; изоҳлаш, шарҳлаш; биография] **1** Бир тилдаги матнни бошқа тилда қайта яратишдан иборат адабий ижод тури. *Эркин таржима. Сўзма-сўз таржима. Бадиий таржима. Таржима назарияси.* ▬ *Ниҳоят, асар таржимаси борасидаги ишимиз охирлади.* Газетадан. *Лермонтов шеърларининг биринчи таржимаси 1920 йилларнинг охирига тўғри келади.* «Саодат».

2 Бир тилдан бошқа тилга ағдарилган матн. *Таржима тайёр бўлгач, муаллиф у билан таниша бошлади.* Газетадан. *Таржимадаги сўзлар, иборалар, жумлалар бир-бирига таъсир кўрсатиб, жозибали маъно касб этади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Таржима қилмоқ Бир тилдаги матнни бошқа тилга оғзаки ёки ёзма ҳолда ағдармоқ, ўгирмоқ. *Кейинчалик Бағдодга бориб, қадимги юнон олимларининг фалакиётга оид асарларини таржима қилдилар ва илмий шарҳладилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Болалардан русчани сал-пал тушунадиганлари бошқаларига таржима қилиб беришди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Таржимаи ҳол Кишининг ўз шахсий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган баён; автобиография. *Шоирнинг таржимаи ҳоли. Таржимаи ҳол ёзмоқ.* ▬ *Абдукарим ака Ботирали қаршисида маъюс ўтириб, кутилмаганда ўз таржимаи ҳолини сўзлаб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТАРЖИМАЧИ *кам қўлл. айн.* **таржимон.**

ТАРЖИМАЧИЛИК Таржима қилиш, таржима билан шуғулланиш. *Кейинги йилларда.. таржимачилик фаолияти тобора ривожланмоқда.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ТАРЖИМАШУНОС [таржима + *ф.* شناس – ўрганувчи] Таржима назариясини, унинг қонун-қоидаларини ўрганувчи мутахассис, олим.

ТАРЖИМАШУНОСЛИК Таржима назарияси билан шуғулланувчи фан. *Ойбекнинг таржима соҳасидаги катта фаолиятини ўрганиш ўсиб келаётган таржимашунослик фанининг долзарб вазифаларидан биридир.* Ж. Шарипов, Моҳир таржимон.

ТАРЖИМОН [*а.* ترجمان – таржима қилувчи] Таржима қилувчи шахс. *Моҳир таржимон.* ▬ *Мен билан сўзлашишингиз учун таржимон ҳам керакдир ҳали?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мақсуд Шайхзода талантли шоир, моҳир таржимон, меҳрибон ўқитувчигина эмас, у атоқли олим ҳамдир.* «ЎТА».

ТАРЖИМОНЛИК Таржимон иши, касби. *Унинг қаноти остида кўпдан-кўп ёш талантлар таржимонлик, таҳрирчилик сингари мураккаб ишларнинг сир-асрорини билиб олдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ТАРЗ [*а.* طرز – ҳаракат усули, йўсин, равиш, услуб] (*3-ш. эгалик шаклида* – **тарзи**) Ўзи боғланиб келган (ўзидан олдин қўлланган) сўз билдирган нарсанинг йўсини, кўриниши, ҳолати маъносини англатади. *Ҳаёт (турмуш) тарзи.* ▬ *Онасининг гаплари Санамга ҳеч ёқмаган, лекин гапнинг тарзидан онасининг кампир билан ҳамфикр эканини англаган эди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Сув музга айланганда, модда зарраларининг ҳаракат тарзи ўзгаради.* «Фан ва турмуш».

2 (*3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида* – **тарзида**) Иш-ҳаракат, нарса-ҳодисанинг йўсини, равиши маъносини билдиради; йўсинида, сифатида. *Кўнгли тортиб юрган одами айтгани учун хафа бўлмади, аммо ҳазилга ҳазил тарзида.. шўхлик қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Давра суҳбати савол-жавоб тарзида ўтди.* Газетадан. *Шу сабабли ўзингизга сир тарзида айтаманки, Англия*

тез орада жаҳоний давлат мавқеини йўқотади. А. Ҳакимов, Илон изидан.

3 (*ў.-п. к. шаклида –* **тарзда**) Белги билдирувчи сўзлар, шунингдек, айрим олмошлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган белгили ҳолатни, ҳаракат-ҳолатнинг шундай ҳолат, йўсин билан бўлишини билдиради; йўсинда, ҳолда. *Ҳафиз Мирзамуҳамедович одатига хилоф тарзда кўпроқ гапириб қўйганини пайқади шекилли, бирдан тўхтаб қолди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Мусаввирлар китобнинг мазмунига ҳамоҳанг тарзда расмлар чизишган..* «Фан ва турмуш». *Шу тарзда ишлар жуда секин силжиди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 (*3-ш.эгалик. ва ў.-п. к. билан –* **тарзида**) *кўм. взф.* Ўхшатиш, қиёс муносабатини билдиради; сифатида, каби. *..ўлпон тўлашдан бош тортганлари учун, ўн олти минг қўйлари.. жарима тарзида тортиб олиб келинди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 *шв.* Юз, чеҳра; қиёфа, аҳвол. *Тарзинг бордир ою кундан зиёда.* «Ойсулув». *Тарзига қарасанг, бир лочин – шунқор.* «Баҳром ва Гуландом».

Бир тарзи (*ёки* **тарзда**) *айн.* **бир ҳолатда** *қ.* **ҳолат**. *Универмагнинг сотувчиси Барот Зоҳидов ишдан бир тарзи бўлиб келган куни онаси кўп назр-ниёз билан.. Барно домланикига югуриб қолади.* «Муштум».

ТАРИЛЛАМОҚ «Тар» этган овоз чиқармоқ (тартарак, пулемёт ва ш.к. нинг овози ҳақида). *Мотоцикл тариллаб, биздан узоқлашди.* ▬ *Сал ўтмай самолётнинг моторлари тариллаб, парраклари айлана бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор. *Олдинги линияда аҳёнаҳёнда автомат ва пулемётнинг тариллагани эшитилар эди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ТАРИФ [*фр.* tarif – аниқлаш; қатъий баҳолар (тўловлар) тизими < *а.* تعريف –аниқлаш, белгилаш; бож тўловлари ҳақида билдириш] Турли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш хизматлари учун (мас., йўловчи ва юк, экспорт ва импорт товарлари ташиш ва ш.к.) тўлов ставкалари (ҳақлари) тизими. *Имтиёзли тариф. Почта тарифи. Тариф жадвали. Тариф бўйича ҳақ тўламоқ.*

ТАРИХ [*а.* تأريخ – ўтмиш; давр, вақт, эра; сана; тарих] **1** Ижтимоий тараққиёт жараёнида юзага келган воқелик, ҳаёт. *Тарих диалектикаси. Тарих қонунлари.* ▬ *Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига ғолибона юраётир.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Ўтмишга оид факт ва ҳодисалар мажмуи; ўтмиш, кечмиш. *Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим..* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Фақат уч туп қайрағочгина кўҳна тарих нишонаси бўлиб турибди.* И. Раҳим, Ихлос. *Тарихдан шу нарса маълумки, инсониятга қилинган ёвузлик ва жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаган.* Газетадан.

3 Бирор нарса, воқеа-ҳодиса ёки шахснинг ўтмиш ҳаёти. *Қишлоқнинг тарихи. Савдо муносабатлари тарихи. Корхона тарихи.* ▬ *Ота-боболаридан эшитган шаҳар тарихи, чеккан жабру жафолари кўз олдидан ўтарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Сизга Мадамин тўғрисида маълумот керакми? Мадаминнинг тарихини Юсвали тоғам яхшироқ билади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нимасини айтасиз, бу одамнинг тарихи ҳам олам-жаҳон.* С. Кароматов, Олтин қум.

4 Жамият ва давлатлар ўтмиши тараққиётини ўрганувчи фан. *Янги тарих. Ўрта асрлар тарихи. Ўзбекистон тарихи. Жаҳон тарихи.*

5 Табиат ва жамиятнинг, ундаги маълум соҳаларнинг ривожланиши, ўзгариши билан боғлиқ томонларни ўрганувчи фан. *Мусиқа тарихидан дарс бермоқ. Тилшунослик тарихи.*

6 Бирор нарса, воқеа-ҳодисанинг юз бериши билан боғлиқ маълумотлар мажмуи. *Мен аччиқ оилавий фожианинг тарихини билиб олдим.* «Ёшлик». *Эр-хотин айта берса, бу жанжалнинг тарихи бирон ёзувчининг қўлига тушса, каттакон бир китоб бўладиган.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

7 Бирор ишнинг бажарилганлигини, бирор воқеа-ҳодиса қачон бўлиб ўтганлигини, машҳур кишиларнинг таваллуди ва вафотини кўрсатувчи аниқ календарь вақт, сана (мумтоз адабиётдаги санъат тури сифатида «таърих» деб ҳам юритилади). *Қўлёзманинг тарихини аниқламоқ.* ▬ *Ўнг томондаги тошга араб алифбесининг қадимги имлосида йирик қилиб «Маърифатхон жаннат макон», деб ёзилган ва ҳижрий билан «1335», деб тарих қўйилган эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

Касаллик тарихи Касалнинг аҳволи ва унинг даволаниши ҳақида даволовчи врач томонидан тегишли маълумотлар ёзиб бориладиган варақа. *Профессор касаллик тарихига нима деб диагноз ёзишни билолмай.. шартли равишда «Негатив» деб атади.* «Ёшлик».

ТАРИХАН [*ф.* تاَريخاً – тарих нуқтаи назаридан, тарихга асосланиб] Тарих нуқтаи назаридан. *Воқеаларни тарихан тўғри таҳлил этмоқ. Тарихан жуда қисқа муддатда катта муваффақиятларга эришилди.*

ТАРИХИЙ 1 Тарихда қоладиган, тарихга кирадиган; муҳим. *Тарихий воқеа. Тарихий кун.* ▬ *Бу тарихий дақиқани [Берлин устидан ғалабани] зафарли юриши билан келаётган жангчиларимиз сабрсизлик билан кутаётган эдилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Бирор воқеа-ҳодисанинг бутун тарихига оид, бутун тарихий жараёни билан боғлиқ. *Ўзбек тили ўз тарихий тараққиёти давомида турли ўзгаришларга учраган.*

3 Тарих фанига оид, бирор соҳанинг тарихини ўрганадиган. *Тарихий грамматика. Тарихий география. Тарихий очерк.*

4 Ўтмишга, тарихга оид, қадимги, кўҳна. *Тарихий асар. Тарихий ёдгорлик.* ▬ *-Албатта, Афлотун ҳам, Арасту ҳам замонасининг кўп доно, кўп ақлли олимлари бўлгани шубҳасиз. Уларнинг ишлари тарихий китоблардан маълум, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *«Салор» ҳозирги пайтда тарихий ариқни эмас, балки чиқиндилар уюлиб ётган узун хандақни эслатади.* Газетадан. *Демак, бундай ҳолларда махсус сўзлик ва тарихий луғатларга мурожаат қилишга тўғри келади.* Э. Бегматов, Киши исмлари имлоси.

ТАРИХИЙЛИК 1 Тарихга оидлик. *Ёдгорликнинг тарихийлиги.*

2 Ҳар бир нарса ёки ҳодисани уни юзага келтирган муайян тарихий шароит билан узвий боғланишда текшириш ва баҳолашдан иборат диалектик тамойил. *Тарихийликка аҳамият бермоқ.*

ТАРИХЛИ *кам. қўлл.* Тарихи, санаси қайд этилган. *Тарихли қўлёзма.*

ТАРИХНАВИС [тарих + *ф.* نويس – ёзувчи] *эск.* Тарихни ёзиб борувчи, солномачи. *Қиссагўйлар, тарихнавислар ана шу ерлар* [*чўллар*] *фожиаси ҳақида, афсуски, ёдгорликлар ва китоблар қолдириб кетмаганлар.* Миртемир ва А. Пўлат, Сирдарё сепи.

ТАРИХЧИ 1 *айн.* **тарихшунос.** *Машҳур тарихчи олимлар китобларида ёзганлар..* К. Яшин, Ҳамза.

2 Тарих, солнома ёзувчи. *..ўша давр тарихчилари Темур забардаст, хийла чиройли одам бўлганини ёзиб қолдирганлар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТАРИХШУНОС [тарих + *ф.* شناس – ўрганувчи] Тарих илми билан шуғулланувчи мутахассис, олим.

ТАРИХШУНОСЛИК 1 Тарихшунос иши, касби.

2 Тарих фанининг тарихини ўрганувчи соҳа.

ТАРИҚ I Бошоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ғалла ўсимлиги ва унинг оқлаб сўк қилинадиган майда дони. *Тариқ сепмоқ.* ▬ *..қир пастида тариқ ўраётган бир тўда деҳқонларни кўриши билан табиатидаги бир дамлик равшанлик ўрнини яна диққатбозлик эгаллаб олди.* Туйғун, Сўнгги саёҳат.

ТАРИҚ II [*а.* طريق – йўл, кўча; усул, йўсин, йўл] *эск. айн.* **тариқа**. *-Не тариқ билан? – қизиқиб сўради Мажддиддин.* Ойбек, Навоий. *..ота-онасидан чиройли ахлоқни, одамларга одамларча муомала тариқини ўрганиб келибди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ТАРИҚА [*а.* طريقه – йўл, кўча; усул, йўл; йўсин] Баъзи сўзлар билан эгалик шаклида, шунингдек, *шу, бу, қай* каби олмошлар билан қўлланиб, «йўл», «йўсин» маъносини билдиради. *Ёшликда икковимизнинг кун кўриш тариқамиз, онгимиз бир эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Унинг [Отабекнинг] сўзига қараганда, сиз уни оғирроқ тариқа билан дарбозангиз ёнидан жўнатган экансиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эсон шундай хаёллар билан уйга қай тариқа етиб келганини ҳам сезмади.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

2 (*3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида* – **тариқасида**) *кўм. взф.* Бош келишикдаги сўз билан қўлланиб, ўхшатиш, қиёс каби маъно билдиради; йўсинида, тарзида. *Насиҳат тариқасида. Совға тариқасида. Мисол тариқасида. Ҳазил тариқасида.* ▬ «*Қўлтиқтаёққа дардисар бўлдинг!» деган ҳазил-мутойиба тариқасида айтилган сўз, тўғриси, иззат-нафсимга тегди.* Н. Сафаров, Оловли

излар. *Баъзан у бетимнинг қалини – жонимнинг ҳузури тариқасида иш қиларди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАРИҚАТ [*а.* تريقت – йўл; усул восита; маслак, суфийлик йўли] *эск. кт.* Тутилган йўл; маслак; суфийлик йўли. *У Бухорода мадрасада ўқиб юрганда, шариат ва тариқат илмини яхши ўрганган, қуръонни ёд билар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қўқондан келган меҳмонлар Жамолиддин Муҳаммадкарим сўфини тариқатнинг пешвоси, авлиёи пир, дея кўп таърифини гапирдилар.* Ойбек, Улуғ йўл. *Сенинг бу қилиғинг на фарзга, на суннатга, на инсонийлик тариқатига тўғри келгай.* С. Сиёев, Аваз.

Тариқат аҳли Суфийлар.

ТАРИҚДАЙ, -дек 1 Тариққа ўхшаш, тариқ каби. *Бизларди жойлар Тошканмас – одам хирмонга тушган тариқдай йўқолиб кетса.* С. Нуров, Нарвон. *Бу нима деган гап, қизлар, иш қолиб, тариқдай сочилиб, тупроқдай тўзиб, ялло қилиб юрибсизлар.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

2 Жуда оз; жиндак, кичкина, тариқча. *Туядек бўй берма, тариқдек ақл бер.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Табиб тариқдай афюн келтириб, ўз қўли билан ичирди.* С. Сиёев, Аваз. *Кўнглимда тариқдек ёмонлик бўлса, эртагача етмайин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАРИҚЧА *(одатда инкор билдирувчи феъллар билан)* Озгина, жиндай. *Тариқча ақли йўқ.* ▬ [*Маҳкам:*] *Дадамда тариқча гуноҳ йўқ, тақсир.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Агар шу сўзларим ичида тариқча қаллоблиги бўлса, билганларингни қилинглар.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. -*Тариқча инсоф борми сизда! — бўғилиб гапирди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАРК I [*а.* ترك – ташлаш, воз кечиш; инкор қилиш]: **тарк этмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) 1) воз кечмоқ, барҳам бермоқ, ташламоқ. *Чекишни тарк этмоқ.* ▬ *..сўзини ҳазилдан бошларди. Бу дафъа ҳам одатини тарк этмади.* Туйғун, Дўстлик севинчлари. *Бошига салла ўрашни асло тарк қилмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон*;* 2) ташлаб (қолдириб) чиқиб кетмоқ. *Қишлоқни тарк этмоқ. Хонани тарк этмоқ.* ▬ *Атрофда баҳор нафаси кезади, қишда бу ерларни тарк этган қушлар яна учиб келишган, новдаларга қўниб чуғуллашади.* С. Зуннунов, Гулхан.

Тарки дунё қилмоқ Мол-дунёдан, дунёнинг иш-ташвишлари – барча нарсадан воз кечмоқ, узлатга чекинмоқ. *Хўш, сиз бу фоний дунё лаззатидан кечган.. сарвари коинот ишқида тарки дунё қилган пири муршидлардан бири эмасмиз..* К. Яшин, Ҳамза.

ТАРК II [*ф.* ترک – ёриқ, дарз, тирқиш] Букилган, қайтарилган жой; нарсанинг букланган раҳи; тах. *Дўппининг тарки. Қалпоқнинг тарки.* ▬ *Ботир ака шошиб қолди шекилли, газетанинг таркини топиб очолмай, унинг бир чеккасини йиртиб ҳам қўйди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

ТАРКАНА *эск.* Талаш-тортиш, талашиш; тақсимлаб, бўлиб олишга интилиш; *яна қ.* **тарака, таракана.** *Булоқ сувини биз «Қора сув» деймиз. Улар ҳам ҳисобли, бригадалар ўртасида доим таркана.* Ҳ. Назир, Олмос. *Унгача тустовуқлар таркана бўб кетмаса бўлгани, устажон!* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ТАРКАШ [*ф.* ترکش – ўқдон, тирдон, садоқ] *фольк.* Пиёла, коса каби сопол идишларни синишдан сақлаш учун тери (чарм) ёки ёғочдан қубба шаклида ясалган ғилоф. *Ғирот Авазни кўриб, учадиган қушдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб.. ўйнай берди.* «Балогардон».

ТАРКИБ [*а.* تركيب – бириктириш, бирикма, бириктириб ҳосил қилиш; ҳайъат, ходимлар] **1** Маълум бир бутунликни ташкил этувчи қисмлар, унсурлар мажмуи. *Сўзнинг морфологик таркиби. Сувнинг кимёвий таркиби.* ▬ *Тупроқ унумдорлиги учун унинг таркибида, аввало, ўсимликка зарур озиқ моддалар, шунингдек, сув, ҳаво ва иссиқлик етарли бўлиши керак.* «Фан ва турмуш». *Ёнғоқнинг таркибида мой, оқсил, углевод, кислота моддалари беҳисоб.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Жамоа, ташкилот ва ш.к. ни ташкил этувчи шахслар мажмуи. *Комиссия таркиби. Ҳукумат таркиби. Суд ҳайъати таркиби.* ▬ *Баъзилар бу кема экипажининг таркибида Дурра Норни кўриб ажабланишди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

Таркиб топмоқ Қисм, унсур кабилардан иборат бўлмоқ, юзага келмоқ. *Кишиларимиз қоронғи уйлардан таркиб топган қишлоқларда яшаганлар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ирмоқлар бирлашиб, дарёлар ҳосил қилгани каби, катта-кичик муваффақиятлар жам*

бўлиб, улкан ютуқлар таркиб топади. Газетадан.

ТАРКИБАН [*а.* تركيباً] Таркиб жиҳатидан; таркибига кўра. *Моддаларни таркибан таҳлил қилмоқ.*

ТАРКИБИЙ Таркибни, бутунни ташкил этувчи, таркибга кирувчи. *Навоий ижодида ишқ масаласи шоир дунёқараши, унинг инсон ва ахлоқ ҳақидаги таълимининг таркибий қисмидир.* «ЎТА».

ТАРЛОН Ола-тарғил, чавкар; шу тусдаги от. ▬ *Тарлон бия Бойчиборнинг энаси Чибарнинг товушин тўқайда билди.* «Алпомиш». [*Чоракор*] *Тарлонни миниб, учраган, кўринган кишидан Хидирбойни кўрган борми, деб сўраб кетаверди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Айилпуштанини ечди бедовнинг, Сайислар тарлонни яланғочлади.* «Ойсулув». *Бўз от.. аждодида бўлса, тўққизга тўлганда тарлон бўлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

Тарлон очган Ола-тарғил бўлиб бузилган, пес очган (бадан ҳақида). [*Мастон*] *Манглайидан тарлон очган, икки чаккасининг гўшти қочган.. кампир эди.* «Хушкелди». **Хаёли тарлон бўлди** *шв.* Хаёли қочди, хаёли паришон бўлди. *Хаёли тарлон бўлиб, ўзини ҳар уйга солиб кетиб бораётир.* «Равшан».

ТАРМАШМОҚ *айн.* **тирмашмоқ.** *Тармашиб дарахтга чиқмоқ.* ▬ *-Ана, опанг келди, — деди Муҳаммаджон, этагига тармашган болаларнинг бир-бир бошини силаб.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг невaралари. *Юқоридан маймундай тармашиб, лип этиб пастга тушганини ҳеч ким пайқамабди ҳам.* А. Мухтор, Туғилиш. *..вишканинг темирига тармашиб, аста-секин юқорига чиқа бошладим.* П. Қодиров, Эрк.

ТАРМЕВА (*тўғриси* **тар мева**) *қ.* **тар** I.

ТАРМОҚ 1 Асосий йўл, оқим ва ш.к. дан бўлиниб, ажралиб чиққан қисм; шохобча. *Темир йўл тармоқлари. Дарё тармоғи.* ▬ *Бу пастак тоғ Федченко музлик тоғларининг тармоқларидан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан «Музлоқ тоғ» деб аталарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Даставвал бош соқадан бошлаб катта анҳорлар, сўнгра унинг тармоқлари қазиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Асосий ташкилот ёки бирлашма шохобчаси. *Алоқа тармоқлари. Маориф тармоқлари.* ▬ *Ҳалиги хат баҳона савдо тармоқлари ва саноат корхоналарида бўлдик.* Газетадан. *Тез тармоқ ёймоқда бўлган маориф: сон-саноқсиз мактаблар, интернатлар, катталар учун кечки курслар, бир оз бўлса ҳам ўқиган одамларга муҳтож эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Фан-техника, қишлоқ хўжалиги ва ш.к. га оид соҳа, соҳалар. *Хўжаликнинг муҳим тармоқлари. Фан ва техника тармоқлари. Қоракўлчилик республика чорвачилигининг муҳим тармоқларидан биридир.* ▬ *Бу ерда ғалла билан чорва асосий тармоқ ҳисобланади.* «Шарқ юлдузи».

Тармоқ ёймоқ Тармоқларга бўлинмоқ, тармоқлари юзага келмоқ. *Шу муддаони адабиётимизда ҳужжатли асарларнинг кенг тармоқ ёйганлиги сабаблари тўғрисидаги гапдан бошласак.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ТАРМОҚЛАНМОҚ Тармоқ, шохобчаларга бўлинмоқ, тармоқларга эга бўлмоқ. *Тармоқланган канал. Кенг тармоқланган соҳа.* ▬ *Беҳисоб йўллар чўл ичкарисига тармоқланиб кетган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТАРМОҚЛИ Тармоқлари, шохобчалари бўлган, тармоқланган. *Кўп тармоқли ташкилот. Кўп тармоқли хўжалик.*

ТАРНОВ [*ф.* ترناو — сув оқадиган, ўтадиган қувур] Ёмғир, қор сувлари оқиб тушиши учун том четларига ўрнатиладиган, ёғоч ёки тунукадан қувур ёкиариқча шаклида ясалган мослама. *Тунука тарнов. Ёғоч тарнов. Тарнов ясамоқ.* ▬ *Мўриларда жон сақлаган мусичалар кукулаб, тарновларга қўниб олишди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Жимжит хонада тарновлардан тушаётган сувнинг шитирлаши.. эшитилиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТАРНОВЧЎП [*ф.* ترناوچوب — тарновсимон ёғоч] *махс.* Тиззага қўйиб, устида чок тикиладиган тарновчасимон косибчилик асбоби.

ТАРОВАТ [*а.* طراوت — нозиклик, мулойимлик; янгилик, тозалик; ҳўллик, намлик] *кт.* Янги ва тоза, сўлим ҳолат. *Жонли ранглари тароватини унча йўқотмаган катта гулзор теварагида аста айланар эди Комила.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Кўзга ажиб равшанлик бахш этувчи яшил кўкатлар тароватi.. кўксидаги ранжу аламни қувгандек бўларди.* С. Сиёев, Аваз. *Ҳали ҳам унинг* [*Зумраднинг*] *қомати ўшандай нозик,*

аллақандай ёшлик тароватини уфуриб турарди. С. Аҳмад, Зумрад.

ТАРОВАТЛИ Ёқимли тароватга эга. *Қуёш ботиб, салқин тушди. Полизнинг тароватли, ҳандалак, босволди бўйини уфурган файзли оқшоми бошланди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Тонгнинг тароватли шамоли бир нафасгина гўдаклик йилларини қайтарар эмиш.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТАРОВАТСИЗ Тарovати йўқ. *Тароватсиз иссиқ шабада тунги гулханларнинг аччиқ тутунини кулранг қоялар, чакалаклар орасига таратаётган эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Назаримда, ҳамма хотинлар қоғоздан ясалган гулдек ҳидсиз, ҳиссиз, тароватсиз кўрина бошлади.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ТАРОВИҲ [*а.* تراويح – дам олиш, ҳордиқ онлари; рамазон ойидаги қўшимча намоз, ибодат] *дин.* Рўза кунлари кечки, охирги намоздан кейин ўқиладиган қўшимча намоз. *Афанди.. ифтордан кейин мачитга таровиҳ ўқигани кетди.* «Латифалар». *Отабек.. туриб таҳорат олди ва меҳмонхонага кириб, таровиҳ бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАРОЗИ [*ф.* ترازو – вазн ўлчаш асбоби] Оғирлик ўлчаш асбоби. *Қўл тарози. Паллали тарози. Тарози палласи. Тарозида тортмоқ.* ▬ *Очилвой балиқтутнинг маҳкамроқ шохига қўл тарози осиб, пахталарни пешма-пеш ўлчаб олишга тушди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

Ақл тарозиси билан тортмоқ (*ёки* **ўлчамоқ**) Ақл билан баҳоламоқ. *Кейин дадамнинг аҳволини ўйлаб, ақл тарозиси билан тортиб кўриб, тақдирга рози бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тарози босадиган** 1) салмоқли, салмоқдор, вазнли. *Озғин мол гўшти тарози босмас экан.* «Муштум»; 2) *кўчма* асосли, жиддий. *Тарози босадиган далиллар тўплади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Тарозига солмоқ** 1) тортиш учун тарозига қўймоқ; 2) *кўчма* фактларни бир-бирига таққослаб, солиштириб, ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрмоқ. *Келинг, сўзларингизни тарозига солайлик, пучми ёки тош босадими, дарров маълум бўлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) *кўчма* ўзини ёки ўз ишини пеш қилмоқ, ўзига ёки ўз ишига ортиқ баҳо бермоқ. *Қори ўзини тарозига солиб, мен бор, мактаб бор.. деб гердайиб юрар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 4) *кўчма* ортиқ мақтамоқ. *-Ҳадеб уни* [*қизни*] *тарозига сола берманг, худо урди-кетди, – деди совчи.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ТАРОЗИБОН [*ф.* ترازوبان – тарозига қараб, уни қўриқлаб турувчи] Тарозида тортувчи, тарозида тортиш ишини бажарувчи. *Кекса тарозибон келтирилган пахталарни тортмоқда.* Туйғун, Бригадир. *Тарозибон гангиб қолиб, посанги тошни шимининг чўнтагига солди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ТАРОЗУ *қ.* **тарози.** *Ҳар жойни қилма орзу, Ҳар жойда бор тошу тарозу.* Мақол.

ТАРОНА [*ф.* ترانه – ашула ва унинг оҳанги] **1** Куй, оҳанг. *Ҳар бир уйда шодиёна тарона, Тўкин-сочин ўртада кенг дастурхон.* Ҳабибий. *Ашула оҳангидаги ранг-баранг таронaлар Ғуломжон ҳаяжонига пайванд бўлиб оқар.. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бугун қурувчиларнинг руҳларида фавқулодда шодлик, юракларида дунё-дунё севинч таронaлари.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

Тарона қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) куйламоқ. *Аноргулнинг қўлидаги дутор «Ўртоқлар» куйини танларга ларза бериб тарона қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *кўчма* мадҳ этмоқ. *Куйла, созим, юрагим, шеърим, Бахт китобин қилгил тарона.* Ғайратий.

2 Шашмақомда мусиқа асарининг бир қисми. *Таронаи дугоҳ.*

ТАРОҚ 1 Соч, соқол тараш учун ишлатиладиган, ёғоч, металл, суяк ва ш.к. дан ясалган тишли буюм. *Шамшод тароқ. Темир тароқ. Майда тишли тароқ.* ▬ *Талъат шимининг чўнтагидан тароқ олиб, сочини текисларкан, тағин жилмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Матога босиладиган шу нусхадаги нақш, тарам-тарам гул. *Жоноқи олмаларнинг икки бетидаги нақш Марғилон атласининг майда тароқларини эслатади.* С. Акбарий, Шодлик давоми.

3 *тех.* Дастгоҳ, мослама ва ш.к. нинг нарсаларни тараш ёки титиш учун хизмат қиладиган қисми. *Йигирув дастгоҳининг тароғи.* ▬ *Бу ернинг бола-чақаси тили чиқиб, аввал билган сўзи – арқоқ билан тароғу найча билан моки.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАРОҚЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **тарамоқ.** *Ел сочимни тароқлаб ўтса, уйғонаман ширин уйқудан.* Р. Бобажон.

ТАРОҚСИЗ 1 Тароғи йўқ.

2 Таралмаган, тараб текисланмаган. *..тароқсиз сочларига оқ оралаган, ҳорғин, сўлғин эди.* А. Мухтор, Чинор.

ТАРОҚЧИ Тароқ ясовчи уста. *Бешикчилар, тароқчилар, дукчилар Майрамхонни ўз қўллари билан овқатлантиришни «бахт» деб билар эдилар.* F. Fулом, Шум бола.

ТАРОҚЧИЛИК 1 Тароқ ясаш иши, касби. *Тароқчилик қилмоқ.*

2 Бозорда тароқ ясаб сотувчи дўконлар қатори, растаси.

ТАРР *тақл. с.* Газмол йиртилганда, тартарак тариллаганда чиқадиган ва шунга ўхшаш овозни билдиради. *Яктак тарр этиб йиртилди.* ▬ *Рўпарадаги уйнинг томидан «тарр» этган товуш эшитилди. Қизил аскар зинага йиқилди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТАРРА 1 *шв.* Таррак.

2 Қовун, узум каби ширали меваларни кўп истеъмол қилгандан кейинги ланжлик, лоҳаслик ҳолати. *-Нафс қурсин.. Сиз ақллилик қилган экансиз, мулла Муҳсин, — дейди қурсоғини ишқалаб, — чоғи, қовуннинг тарраси ушлади мени.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Тарраси тутади Кишини ланж, лоҳас қилади. *Хатиб домлани қовуннинг тарраси тута бошлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кабоб билан иш битадими, шўрвасини ичмасанг, тарраси тутиши бор.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ТАРРАК Палак отиб ўсадиган полиз экини ва унинг бодрингдан кўра йирикроқ кувврак ҳосили. *Бозорга бодринг, таррак ва эртаги ҳандалаклар ҳам чиққан эди.* К. Яшин, Ҳамза.

Таррак бурун(ли) Бурни катта ва хунук. *Ичкаридан аврасиз пўстин кийган, таррак бурунли, қип-қизил одам чиқди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Тарракдек қотмоқ** 1) нима қиларини билмай, ғўдайганча қолмоқ. *Ориф мени кўрди-ю.. бола бечора тарракдек қотди.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб; 2) қаттиқ уйқуга кетмоқ. *Болалар бирпас қувлашмачоқ ўйнаб, кейин дуч келган жойда тарракдек қотиб қолишади.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

ТАРС *тақл. с.* Таранг ёки қаттиқ нарса ёрилганда, синганда ёки урилганда чиқадиган овозни билдиради. *Қовун тарс ёрилди. У эшикни тарс этиб ёпди.* ▬ *Ҳасан аканинг чаккасига ҳам бир нима «тарс» этиб тегди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ. *-Эҳ, — Акрам тиззасига «тарс» эткизиб урди-да, креслодан сапчиб турди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАРСАЙМОҚ *шв.* Бақрайиб, безрайиб қараб турмоқ.

ТАРСАКИ Очиқ кафт билан юзга берилган зарб, шапалоқ. *Тарсаки (билан) урмоқ. Тарсаки емоқ. Тарсаки солмоқ.* ▬ *Бек Лаълининг у юзи-бу юзига тарсаки қўйиб юборди.* Ҳ. Fулом, Машъал.

ТАРСАКИЛАМОҚ Тарсаки урмоқ. *Зулайҳо Гавҳарга бемор одамга қарагандай ачиниб қарайди, бундан кўра тарсакилаб юборгани яхши эмасми?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТАРСИЛЛАМОҚ «Тарс» этган овоз чиқармоқ. *Эшик тарсиллаб очилди. Қовун тарсиллаб ёрилди.*

ТАРСО [*ф.* ترسا — қўрққан, қўрқувчи; христиан, насроний] *дин.* Fайридин, кофир. *Бутхоналар ичра тарсо кўрмади сен каби санамни.* Амирий. *Ҳо-ой, мусулмонлар! Тарсо Авазнинг дўконига йўламанглар! Ул шайтони лаин бирла тил бириктирган..* С. Сиёев, Аваз.

ТАРС-ТУРС *тақл. с.* «Тарс» ва шунга яқин товушлар. *Башорат «эсиз одамгарчилик» дегандек, унга* [*эрига*] *бир ўқрайиб қаради-ю, тарс-турс юриб, ҳовлидан чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Муллажон. *Тарвузи қўлтиғидан тушган тунқотар.. тарс-турс кўчага чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАРТАРАК Қаттиқ тариллаб овоз чиқарадиган парракли ёғоч асбоб (асосан боғни қўриқлашда ишлатилади). *Тартарак чалиб, боғ қўримоқ.* ▬ *Чол тартарагини қўлтиғига қисиб, сўйилига суянганича, индамай туриб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Узоқ-яқиндан палахмон, тартарак овози, ўғил болаларнинг бақириғи.. эшитиларди..* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ТАРТИБ [*а.* ترتيب — тайёрлаш, ташкил этиш; интизом; мойиллик, рағбат; режа] **1** Иш-ҳаракат, тадбир-чора ва ш.к. нинг амалга ошувида риоя қилинадиган маълум изчиллик, режа, қонун-қоида ва шу қонун-қоидаларга жавоб берадиган ҳолат. *Пенсия белгилаш тартиби. Овоз бериш тартиби. Янгича тўй тартиби.* ▬ [*Заргаров:*] *Мажлисда тартиб бўлиши керак!..* [*Пўлатжон домла:*] *Бугунги мажлиснинг тартиби шунақа.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ойимхон стол-*

ни тақиллатиб, Тожибойни тартибга чақирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Кун тартиби 1) мажлисда муҳокамага қўйиладиган масалалар. *Мажлисни Иброҳимов очди ва кун тартибини эълон қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) *кўчма* навбатда турган вазифа. *Мен бу билан дамба масаласини кун тартибидан чиқариб ташлаш керак, демоқчи эмасман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Нарсаларнинг жойлашуви ва ш.к. жиҳатдан мутаносиблик бўлиши, меъёрий ҳолат. *Ҳовлиларга тартиб билан мева дарахтлари экилган.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Яқиндагина келтирилган вагончаларда тартиб ўрнатилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Уйдаги тартиб ва озодалик унинг баҳрини очиб юборган эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

Тартибга солмоқ Тартибли ҳолга келтирмоқ. *..сочларини тортибга солди-ю, ўрнидан туриб, шоҳи атлас кўрпа-кўрпачалар тўла тахмонга борди.* К. Яшин, Ҳамза. *Столни тартибга солаётган Наргизага кўмаклашди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Шахс ёки нарсаларнинг ўринлашиш тизимида қўлланган йўл; сира. *Почтахона орқага қияроқ ўрнатилган газета витринасидан иборат бўлиб, унга алифбо тартибида яшиклар ўрнатилган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Йўл-йўриқ, усул, йўсин. *..хон қўшинларнинг шаҳарга кириш ва жойлашиш тартибини олдиндан ўйлаб қўйган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Тартиб бермоқ (*ёки* **қилмоқ**) Тузмоқ. [*Машҳадий*] *Тунларни уйқусиз кечириб, «Девон» ҳам тартиб қилган.* Ойбек, Навоий. **Тартиб сон** *тлш.* Соннинг қатор, сира билдирувчи шакли, мас. *бешинчи (синф), саккизинчи (хона).*

ТАРТИББУЗАР Қонун-қоида, тартиб-интизом талабларини бузувчи, унга зид иш тутувчи. *Тартиббузарларга қарши курашда жамоатчилик кўмагидан фойдаланиш керак.*

ТАРТИБЛАМОҚ *кам қўлл.* **1** Тартибга, системага солмоқ.

2 Тартиб қилмоқ, тузмоқ.

ТАРТИБЛИ 1 Маълум тартиб, қонун-қоида талабларига жавоб берадиган; тартиб асосида, изчил. *Тартибли иш. Тартибли уй. Тартибли корхона.* ▬ *Марҳаматнинг кўзига унинг уст-боши ҳар вақтдагидан тартибли, озода кўринди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Тартиб-интизомга риоя қиладиган, интизомли. *Тартибли ўқувчи.*

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

III жилд

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

ISBN 978-9943-07-051-6

2010.04.10 да босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70 × 100 1/16. Офсет қоғозда босилди.
73,7 нашриёт-ҳисоб табоғи. 55,9 босма табоқ.
Адади 5000 (2-гал босилиши 3001–5000). Баҳоси шартнома асосида. 10-837-буюртма.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриётининг дизайн ва компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй).

Ўз
М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

5 ЖИЛДЛИ

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ*:**

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар),
Н. ТЎХЛИЕВ, Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, А. ҲОЖИЕВ

А. Мадвалиев таҳрири остида

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ТЎРТИНЧИ ЖИЛД

Тартибот – Шукр

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
Давлат илмий нашриёти

81.2Ўзб-4

“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор – Н.Тўхлиев.

Директорнинг биринчи ўринбосари – Д.А.Шораҳмедов.

Директор ўринбосарлари – М.Н.Аминов, А. Ниёзов.

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти – А. Мадвалиев (мудир), Ҳ. Абдиев, Р. Қиличев (етакчи илмий муҳаррирлар).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими – И.Р.Ҳодиев (бошлиқ), А. Бурхонов (бош рассом), М. Олимов (етакчи техник муҳаррир), А. Ёқубжонов (етакчи илмий программист), Д. Ҳасанова (саҳифаловчи-оператор).

Ў 16 **Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот–Шукр/ Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.-608 б.

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

ББК 81.2Ўзб-4

Ў $\frac{70105-071}{358-2008}$

ISBN 978–9943–07–051–6

© “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.



ТАРТИБОТ [*а.* ترتيبات – «тартиб» с. кўпл] *эск. кт.* Тартиб. *Қўшин тартиботи.* ▬ [*Бобомирза*] *Оиланинг.. ақлли кенжаси бўлиб, ота эшигидаги тартиботни унча ёқтирмас.. эди.* И. Раҳим, Тақдир. *Бу ерда сергаклик ва ғайрат билан қўшин тартиботини кузатиб турди.* Ойбек, Навоий.

ТАРТИБСИЗ 1 Маълум тартиб, қонун-қоида талабларига жавоб бермайдиган; тартибга солинмаган; бетартиб. *Отабек уйга кирганда, ёстиқ бетини тартибсиз соч ўримлари билан чулғатиб, Кумуш ухлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Катта уйда.. ҳар хил асбоб-идишлар тартибсиз қалашиб ётар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзаро тартиб билан боғланмаган, ноизчил. *Ёрмат ҳамма нарсани, тартибсиз бўлса ҳам, лекин муфассал айтиб берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг тартибсиз фикрлари мунтазам бир шаклга кириб, вояга етди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар.

3 Интизомсиз, бетартиб. *Тартибсиз бола.*

ТАРТИБСИЗЛАНМОҚ *кам қўлл.* Бетартиб ҳолга келмоқ, бетартиб бўлмоқ. *Хаёли тартибсизланиб кетган, бундан бир неча соат олдингига ҳеч ўшамасди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТАРТИБСИЗЛИК 1 Тартибсизга хос хатти-ҳаракат, хислат. *Тартибсизлик қилмоқ.*

2 Тартибсиз ҳолат. *Тартибсизликка қарши курашмоқ.* ▬ *Орада сўкиш, тартибсизлик, жанжал қўзғалади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАРХАШ *кам қўлл.* Ўжар, қайсар. *Ёғдуларин тўкмайди ой баркашда, Осмон билан ер аразда – тархашда.* Э. Охунова.

ТАРХАШЛИК Ўжарлик, қайсарлик, терслик. *Тархашлик қилмоқ.* ▬ *Ҳадеганда иш юришавермади. Маҳкам Мусаев буни Эргашевнинг тархашлигидан билди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ТАРХОН *қ.* **дархон.**

ТАРҚАЛМОҚ 1 Бир ўриндан, бир тўпдан турли томонга қараб йўналмоқ, кетмоқ. *Меҳмонлар тарқалди. Қўйлар ҳар томонга тарқалди.* ▬ *Отабек эшикдан чиққанда, Содиқни кўмиб келган кишилар қурьон ўқиб, тарқалмоқда эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Теварак-атрофга йўналмоқ; ёйилмоқ, сочилмоқ. *Муаттар ҳид бутун уйга тарқалди.* ▬ *Қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда эди. Йўлчи нафасини ростлаш учун эшикка чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Булар — булутлар, Эъзозхон! Шу булутлар тунда йиғилиб, кундуз тарқалиб турибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Жойларга, кишилар орасига кириб бормоқ. *Фақат ўтган асрнинг ўзидагина грипп эпидемияси тўққиз марта тарқалди.* «Фан ва турмуш». *Кана – планетамизда кенг тарқалган жонивор.* «Фан ва турмуш». *Маълумки, Эрон ва Ўрта Осиёда исломгача асосан оташпарастлик кенг тарқалган эди.* «ЎТА».

4 Кишилар қулоғига етиб бормоқ, шу тарзда маълум-машҳур бўлмоқ; ёйилмоқ, билинмоқ. *У сарполарнинг овозаси.. бутун Тошкентга бўлмаса ҳам, шаҳарнинг ярмига тарқалган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу халқда кенг тарқалган ашула эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Олмос ботирнинг довруғи ҳамма ёққа тарқалибди.* «Олтин бешик».

5 Урчимоқ, урчиб кўпаймоқ. *Бу жаллод жўжи-бўжи тухумидан тарқалганга ўхшайди..* Ойбек, Навоий.

6 *кўчма* Аримоқ, ариб йўқ бўлмоқ; йўқолмоқ, кетмоқ. *Карахтлиги тарқалмоқ. Мастлиги тарқалмоқ.* ▬ *Бош устида тутун тарқалар, гўё тутун эмас, аста-секин ҳасрат тарқалар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Уйқуси бутунлай тарқалиб кетгач, ўзини жуда тетик ва бардам сезди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Лаълининг жунуни тарқалган бўлса ҳам, ҳали яхши соғайиб кетмаган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТАРҚАМОҚ *айн.* **тарқалмоқ.** *Гулдур этиб булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.* Ҳамза. *Низомиддинов қанча ўйламасин, ўйининг охири тутунга ўхшаб тарқаб кетаверди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Гоҳи оқшом боғлар оралаб, Дардлашгали келар чўпони. Ором гулшанига ўралар Бир дам тарқар дарди-армони.* Т. Тўла. *Тўй тарқаганда, бир тўда қиз, йигитлар келин ва куёвни кузатиб, машиналарда Норқўзиникига кетишди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ТАРҚАТМОҚ 1 Тарқамоқ фл. орт. н. *Хушбўй ҳид тарқатмоқ. Ёқимли садо тарқатмоқ. Хабар тарқатмоқ.*

2 Эга-эгаларига етказиб бермоқ, улашмоқ. *Газета тарқатмоқ.* ▬ *Аравакаш эшикма-эшик юриб, моли олинганнинг молини, ғалласи олинганнинг ғалласини эгаларига тарқатиб чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..ҳар куни уч-тўрт маҳал тайёр овқатларни палатама-палата юриб тарқатади.* Газетадан.

ТАРҚОҚ 1 Бир ерга ғуж бўлиб тўпланмаган, бир-биридан узоқ жойлашган. *Тарқоқ уйлар. Тарқоқ соч. Тарқоқ элементлар (ким.).* ▬ *У* [*Соҳиб*] *лапанглаб ўрнидан турди, уюшган тиззаларини уқалади, тарқоқ қоғозларини йиғиштириб, яна ўрнига ўтирди.* Ойбек, Навоий. *Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда, хоналар кам ва тарқоқ бўлгани учун, вахтёр ўтирмас, ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Яхши уюшмаган, бирлашмаган; пароканда. *Ваҳолонки, бизда мавжуд бўлган агрокимё хизмати лабораториялари.. тарқоқ ҳолда иш кўриб келмоқда.* Газетадан.

3 *кўчма* Тарқалган, сочилган, паришон. *Тарқоқ фикрлар.* ▬ *Қиз сочидай хаёли тарқоқ, Тош устида ўй сурар чўпон.* Т. Тўла.

ТАРҚОҚЛИК Тарқоқ ҳолатга эгалик, тарқоқ ҳолатда бўлиш. *Фикрнинг тарқоқлиги. Ғоявий тарқоқлик.* ▬ *Зиёфат асносида иттифоқнинг фойдалари, тарқоқликнинг зарарлари сўзланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАРҒИБ [*а.* ترغيب — хоҳишни, қизиқишни кучайтириш; рағбатлантириш]: **тарғиб қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) чуқур тушунтириш йўли билан бирор ғоя, таълимот ва ш.к. ни ёймоқ, кишиларнинг онгига сингдирмоқ; шунга ундамоқ. *Ўзбек адабиёти ютуқларини.. тарғиб қилишда А. Ҳайитметов катта ҳисса қўшмоқда.* «ЎТА»; 2) тушунтириш йўли билан бирор ишга чақирмоқ, даъват этмоқ. *..паранжи ташлашни тарғиб қилган, айримларнинг бошидан чачвонини олиб, ўтга улоқтирган экан.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТАРҒИБОТ [*а.* ترغيبات — «тарғиб» с. кўпл] Бирор ғоя, таълимот ва ш.к. ни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган ишлар, тарғиб ишлари. *Мен тарғиботингга муҳтож эмасман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Омма орасида ҳуқуқ тарғиботи муҳим роль ўйнайди.* Газетадан. *Кўргазмали тарғиботга қараганда, ишлар жойидага ўхшайди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ТАРҒИБОТЧИ Тарғибот ишлари олиб борувчи шахс. *Музайяна опамиз — халқ ижодининг чинакам муҳибаси, толмас тарғиботчиси.* Газетадан.

ТАРҒИБОТЧИЛИК Тарғибот олиб бориш, тарғибот иши. *Тарғиботчилик маҳорати.* ▬ *Бошқармада ғайрат кўрсатиб ишлаётган ёш бунёдкорлар Т. Ортиқовнинг тарғиботчилик фаолиятидан баҳраманд бўлишяпти.* Газетадан.

ТАРҒИЛ 1 Сарғиш ва қорамтир йўлли; шу тусдаги сигир, бузоқ ва ш. к. *Тарғил бузоқ. Сигир олсанг, таниб ол, таний олмасанг, тарғил ол.* Мақол. ▬ *Сутчи ота тарғилни кўришлари билан силаб-сийпаб, у ёқ-бу ёғидан уч-тўрт кана олиб ташладилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

2 *снт.* Наққошликда: нақш мужассамотидаги гул ва баргларни рангли чизиқлар ёрдамида тасвирлашдан иборат пардоз тури.

ТАРҲ I [*а.* طرح — олиш, олиб ташлаш; айириш] *эск. айн.* **олув 2.** *Ўндан учни тарҳ қилса, етти қолади.*

ТАРҲ II [*а.* طرح — қурилиш, иморат, боғнинг бичими, лойиҳаси] **1** Чизма лавҳа;

лойиҳа, режа. *Қоғоздаги шакл — бинонинг тарҳи эди.* Ойбек, Навоий. *Мавлоно Фазлиддин мана шу шаҳарда қурмоқчи бўлган мадраса ва сарой тарҳини Хонзода бегимга кўрсатиб, унинг мақтовини эшитган ёруғ кунларини эслади-ю, юрагини армон ғижимлаб ўтди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *..ёзги хўжалигининг бор тарҳигача эслаб қолганди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 *кўчма* Тузилиш, бичим. *Қизнинг тарҳи тоза гул янглиғ, Жавдирабон боқар шаҳло кўз.* М. Али, Боқий дунё.

ТАСАВВУР [*а.* تصوّر – ўйлаш, хаёл қилиш, кўз олдига келтириш; ўйлаб зеҳнда гавдалантириш] **1** Нарса, ҳодиса ва ш.к. ҳақида киши онги-хаёлидаги маълумот, билим, тушунча. *Лекин тасаввурим, бари бир, юзаки эди.* «Ёшлик». *Лейтенант, Султоновнинг батафсил ҳикоясини эшитиб, аниқ тасаввурга келган бўлса ҳам, ўша жойни ўз кўзи билан кўриши керак эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Тўғри, кўрмай туриб ёзилган асарлар адабиётимизда кўп. Бунинг учун аввал билим, маҳорат, ўткир тасаввур керак.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ҳалигача биз — студентлар классик адабиёт намояндаларидан биронтасининг ҳаёти ва ижоди ҳақида мукаммал тасаввурга эга эмасмиз.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Шундай маълумот, тушунча, билим шаклланишининг манбаи сифатидаги онг, хаёл. *Кеча йиғлаб, кўксига бош қўйган Чарос яна тасаввурида жонланди-ю, лабларини қисиб.. стул суянчиғига елкасини ташлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Фотоаппарат бир лаҳзада киши тасвирини қандай илиб қолса, унинг тасаввури ҳам қизнинг ўша қиёфасини шундай эслаб қолган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *..эски йилнинг ғоят катта хизматларини бир-бир тасаввурдан ўтказишга одатланганмиз.* Газетадан.

Тасаввур қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) хаёлда тикламоқ, гавдалантирмоқ. [*Ёдгорни*] *Қорга йиқилиб ётганча, бошини кўтариб турган аламли чеҳрасини тасаввур қилади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳамон соғинч ўртайди. Зумрадни ҳарир кўйлакда.. бағрида тўлғаниб турган ҳолида тасаввур қилади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Маҳкам Гавҳар билан учрашишини тасаввур этганда, совқотиб, гулханни кўз олдига келтирган кишидай, юраги бир орзиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз; 2) идрок қилмоқ. *Замира ҳам ҳали муҳаббат нималигини яхши тасаввур этмасди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Наҳотки бошқарма беш йил, уч йил, борингки, икки йилдан кейин бажарадиган зарур ишларни тасаввур қилолмаса?!* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *флс., псхл.* Идрок қилинган, ҳис этилган нарса ёки ҳодисанинг киши онгида акс этиши, гавдаланиши. *Тасаввур жараёни.*

ТАСАВВУФ [*а.* تصوّف – жундан қилинган кийим, пўстин кийиш; суфийлик] Исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, уни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот, диний эътиқол; суфийлик. *Бундан минг йил муқаддам, ўнинчи асрда Бағдод шаҳрида дорга тортилган тасаввуфнинг илк раҳнамоларидан Мансур Ҳалложнинг «Аналҳақ» деган сўзи машҳури жаҳон бўлган.* К. Яшин, Ҳамза.

ТАСАДДУҚ [*а.* تصدّق – садақа қилиш, садақа (хайр йўли билан бирор нарса бериш)] **1** Садақа; қурбон, фидо. *Қаники топилса ёрим, Тасаддуқдир ҳарна борим.* «Равшан».

2 *унд.с.* Садақа бўлай, ўргилай. *Ҳаммасини кийиб, зебу зийнатларни тақиб олибсиз-ку, тасаддуқ.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳозир, тасаддуқ! Ҳозир, болам..* С. Нуров, Нарвон.

3 *унд. с.* Таҳсин, офарин, тасанно. *Сени туққан онангга минг тасаддуқ, Қай йигитнинг сендек бахтиёри бор!* Ё. Мирзо. *Пахтасини байроқ қилган Пахтакорга тасаддуқ.* Н. Нарзуллаев.

Жоним тасаддуқ Жоним садақа, қурбон бўлай, жоним фидо бўлсин. *Жоним тасаддуқ сенга, нигорим.* Ҳамза. *Жоним тасаддуқ бўлсин у кишига.* Ойбек, Навоий. **Тасаддуқ бўлай** (*ёки* **кетай**) *айн.* **жоним тасаддуқ.** [*Холмат:*] *Қаёққа қарасам, ҳур билан ғилмон қучаман-а! Тасаддуғинг кетай!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Тасаддуқ бўлмоқ** Айланиб ўргилмоқ. *Онанг бўйгинангга тасаддуқ бўлиб, Отанг мақтанади: таянчим, кўрким.* Ғ. Ғулом.

ТАСАДДУҚОТ *эск. кт.* Қурбон; қурбонлар. *Буйруғингизга мувофиқ деҳқонлар ҳазратнинг соғликлари учун тасаддуқот қилипти.* С. Айний, Дохунда.

ТАСАЛЛИ [*а.* تسلی – тинчлантириш, юпатиш; хушнудлик, хотиржамлик] Юпантирувчи, таскин берувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат ва ш.к. *Енгил эсган шабададанми ё бригадирнинг тасаллиси кор қилдими, ҳар қалай, раиснинг чеҳраси бир оз ёришди.* Х. Эргашев,

Тадбиркор раис. *Мен ҳақиқий қишлоқ оқсоқолларининг сўзини эшитдим. Менинг учун юрак амри билан айтилган бу сўзлар тасалли эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Тасалли бермоқ Юпатувчи гап-сўз айтмоқ, хатти-ҳаракатлар қилмоқ, шу йўллар билан юпантирмоқ, таскин бермоқ. *Шу топда.. йигитчага нимадир деб тасалли бергиси келди-ю, сўз тополмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Омон унга яқинлашди, елкасига қўлини ташлаб, тасалли берди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Тасалли топмоқ** Кўнгли тинчланмоқ, таскин топмоқ. *Шу гапни айтса, кўнгли аллақандай тасалли топарди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Йигит шеър ёзиб, ўзини бир япроққа, қизни бир томчига ўхшатиб, кўнгли анча-мунча тасалли топади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТАСАЛЛО [*а.* تسلّا] *кам қўлл. айн.* **тасалли.** *Сен унинг тушига кириб, Тасалло беролсанг, саодат ахир.* А. Орипов.

ТАСАННО [*а.* تثنّى – мақташ, кўкларга кўтариш; миннатдорчилик билдириш] *поэт.* **1** Мадҳ, мақтов; олқиш. *Тасанно айтмоқ (демоқ, ўқимоқ).* ▬ *Боятдан бери тантиқликларидан ичида кулиб келаётган Ҳафиза ўзгарди, у Шаҳнозахон опага жилмайиб боқди – бу унинг тасанноси эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ойбек адабиётимиз шуҳратини.. дунёнинг анча мамлакатларига ёйишда жуда катта таҳсин ва тасаннога лойиқ иш қилди.* В. Зоҳидов, Мўъжизакор.

2 *унд. с.* Қойил, офарин; таҳсин. *Тақсир.. ернинг тагида илон қимирлаганини биласиз-а. Тасанно!* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Денгизлар ортидан келар акс садо, Ер юзи ёшлари дейди: Тасанно!* Р. Бобожон.

ТАСАРРУФ [*а.* تصرّف – ўз ихтиёрига олиш, эгалик қилиш; мустақил ҳаракат қилиш; ўзбошимчалик] *кт.* Фойдаланиш, эгалик ҳуқуқи, ихтиёри; эгалик, хўжайинлик. *Хусусий тасарруф. Бу ер-сувлар қадимдан бойнинг тасарруфида эди.* ▬ *Отаси эса, Бобомирзани ўзининг кўз қорачиғи деб билар, шу сабабдан катта рўзғорни бошқаришни, ер-сув, мол-дунё тасарруфини шунинг қўлига ташлаб кетиш ниятида юрарди.* И. Раҳим, Тақдир.

Тасарруф қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Эгалик қилмоқ. *Менинг бутун хўжалигимни тасарруф қилишга ундан бошқа кишининг ҳадди йўқ.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *..Фотиҳ Искандар бутун ер юзини тасарруф этиб ҳам кўнгли заррача шод бўлмагач, онасига шундай мактуб ёзган..* Газетадан.

ТАСАРРУФОТ [*а.* تصرّفات – «тасарруф» с. кўпл.] *кам қўлл. айн.* **тасарруф.** *Тоғ оралиқларидаги катта йўл, бекатлардан тортиб илон изи сўқмоқларгача.. ҳар бир қоя тошдан тортиб булоқларгача – барини инсон ўз тасарруфотига олибгина қолмабди. Уларнинг ҳар қайсисига ярашиқ ном қўйибди..* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ТАСБЕҲ [*а.* تسبيح – мақташ, васф этиш; мақтаб кўкка кўтариш] Худонинг номини зикр этиб саналадиган мунчоқ шодаси. *Садаф тасбеҳ. Тасбеҳ ўгирмоқ (ағдармоқ).* ▬ *Мирзакаримбой.. газламага суяниб, тасбеҳ доналарини бармоқлари орасидан битта-битта ўтказиб, чордана қуриб ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.. *Пирим оппоқ тонг отгунча тасбеҳ ўгириб, қуръон тиловат қиладилар.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бир соатдан бери жойнамоздан қўзғалмай, тасбеҳ ағдариб ўтирган Ойша буви Тўйбекани бошдан-оёқ кузатиб, яна ишига машғул бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАСВИР [*а.* تصوير – суратини олиш, суратлаш; тавсифлаш] **1** Бирор нарсанинг ўйма, қуйма ёки чизма шакли; расм, сурат. *График тасвир.* ▬ *Ҳиротда жангномалар ичига сурат чизиш одат тусига кирган, мавлоно Беҳзод чизган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро тасвирлари расмий доираларда шуҳрат топган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу дафтарда Бухородаги бир неча мадрасаларнинг ҳам тасвири бор..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Лола янглиғ оразингни мен кўриб тасвирда, Мубтало бўлмоқлиғим ёзмиш экан тақдирда.* Ҳамза.

2 Нарса, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг бадиий ифодаси, тавсифи. *«Бобурнома»ни варақлар экансиз, ўрни-ўрни билан табиат манзаралари чизилган лавҳаларга, табиий ҳодисалар тасвирига дуч келасиз.* «Фан ва турмуш».

ТАСВИРИЙ [*а.* تصويرى – тасвирлаш, яққол кўрсатишга оид] **1** Тасвирга оид, бадиий тасвир шаклидаги. *Тасвирий ибора. Тасвирий ҳикоя.* ▬ *Тошкент санъат музейида тасвирий санъат кўргазмаси очилди.* Газетадан.

2 Баён, тавсиф шаклидаги.

ТАСВИРИЙЛИК Тасвирий бўлиш, тасвир шаклига эгалик. *Ифоданинг тасвирийлиги.* ▬ *Бадиий адабиёт тилининг энг катта хусусиятларидан бири унинг тасвирийлигидир.* «Адабиёт назарияси». *Демак, бадиий адабиётнинг ўзига хослиги юзасидан баҳс очганда.. тасвир ва тасвирийлик, мажоз ва мажозийлик ҳақида гапириш ўринлидир.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ТАСВИРЛАМОҚ 1 Суратини, расмини чизмоқ, тасвир этмоқ. *Денгизни тасвирламоқ.* ▬ *Жаноб Аҳмадбек, камина боғларнинг суратини чизганда, бир четида боғбонни ҳам тасвирлашим мумкин.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бадиий образларда кўрсатиб бермоқ, тасвирини бермоқ, баён этмоқ. *Халқ ҳаётини ғоятда теран тасвирлай билиш муаллифдан катта истеъдод талаб этади.* Газетадан. *Қўш белбоғ чапаничасига паст боғланган, юриши ҳам олифталарга тақлидни кўрсатар; унинг бутун қомати, ҳамма ҳаракатлари ўзига зеб берган, мақтанчоқ камбағални тасвирлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..ёзувчи ўзи тасвирлаётган воқеага қаттиқ ишониши керак.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАСВИРЛИ 1 Тасвирга эга. *..ўткир тасвирли ва кучли таъсирли асарларида Навоий мотивлари сезилади.* «ЎТА».

ТАСДИҚ [*а.* تصديق – имон, ишонч; мустаҳкамлаш, исботлаш, асослаш] **1** Бирор нарсанинг ҳақлиги, тўғрилиги ёки маъқуллигини тан олувчи сўз, имо-ишора кабилар; маъқуллаш, тўғри деб билиш. *Акбаров унга тасдиқ маъносида бош ирғаб, Маҳкамга гапиришда давом этди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Уста Олим тасдиқ ишорасини бериб: -Сўзлай берингиз! – деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Болалардан тасдиқ жавобини олгач, пўписа қилди..* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Тўғри, ҳақиқат эканликни қайд этувчи нарса, факт; исбот. *..халқ демократияси мамлакатлари билан дўстлик, ҳамкорлик мустаҳкамланганлиги байналмилалчилик ғояларининг амалий тасдиғидир.* Газетадан.

3 Маъқулланганлик ҳақидаги расмий қайд, қарор. *Лойиҳани тасдиқдан ўтказмоқ.* ▬ *Мана бу – бўлимнинг бутун тасдиқлардан ўтган тематик плани.* С. Кароматов, Олтин қум.

4 Инкорга зид мазмунли. *Тасдиқ гап.* ▬ *Кесими инкор шаклида бўлиб, таркибида **қандоқ, нима, озмунча** сўзлари иштирок этган гаплар тасдиқ фикрни ифодалайди.* «ЎТА».

Тасдиқ қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) *айн.* **тасдиқламоқ**. *Ҳакимбойвачча илжайиб қараб, унинг сўзини бош қимирлатиш билан тасдиқ қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бизга фақат ишнинг ўнақайини топиб, хондан тасдиқ эттиришгина қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАСДИҚЛАМОҚ 1 Қарор билан ёки қўл қўйиб, муҳр босиб, қонуний кучга киритмоқ, тасдиқ қилмоқ. *Ҳукумат лойиҳани тасдиқлади. Директор шартномани тасдиқлади. Котиба имзони тасдиқлади.* ▬ *Буйруқни дастлаб бошқарма, сўнгра министрлик бирон-бир эътирозсиз тасдиқлади.* «Ёшлик». *..ректорат ҳам унинг иккита имтиҳондан «қарзи» борлигини ҳисобга олиб, бу қарорни тасдиқлаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бирор иш, ҳаракат, ғоя ва ш.к. ни тўғри деб топмоқ, маъқулламоқ, тасдиқ этмоқ. *-Ота, булар чўпон эмас! – деди Бадиа. Бу гапни Зулфиқор ҳам, Заврак ҳам тасдиқлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Ҳа, баракалла, – Қудрат калласини тебратиб тасдиқлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Тўғрилигидан далолат бермоқ, исботламоқ. *Бу факт фикримизни тасдиқлайди.* ▬ *-Материални тасдиқловчи ҳужжатларингиз борми? – деб сўради.* «Муштум». *Унинг фикрлари ҳақлигини ҳужжатлар тасдиқлаб турибди.* Газетадан.

ТАСИРА-ТУСУР *айн.* **тасир-тусур.** *Тасира-тусур ўқ овози.* ▬ *Тасира-тусур ўқ отилар Тол-терак ва тош орқасидан!* Ҳ. Пўлат.

ТАСИРЛАМОҚ «Тасир-тусур» товуш чиқармоқ. *Узоқдан замбараклар ҳайқириғи, снарядларнинг портлаши эшитилмоқда. Аллақаерда пулемётлар тасирламоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАСИР-ТУСУР *тақл. с.* Кетма-кет такрорланувчи «тасир» ва шунга яқин товушни билдиради. *Орқада от туёқларининг тасир-тусури эшитилди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дайди шамол.. отилиб турган ўқларнинг тасир-тусур овозини олиб келади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ТАСКИН [*а.* تسكين – тинчлантириш, юпатиш, овутиш; юмшатиш] Юпатувчи нарса, гап, иш-ҳаракат ва ш.к.; тасалли,

юпанч. *Бу нафосат даргоҳи [Муқимий театри] ўша оғир жанг ва кураш йиллари.. беором кўнгилларга таскин, ёшли кўзларга нур бахш этган.* А. Юсупов, Жилокор қўллар. *Юрагим ранжиган боладай На эрмак, таскинга кўнади.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

Таскин бермоқ Юпатувчи гап-сўз айтмоқ, хатти-ҳаракатлар қилмоқ, шу йўл билан юпантиришга, тинчитишга ҳаракат қилмоқ. *-Ташвиш тортма, ошна, — деди Омонтой дўстига таскин бериб, — агар Санобарни Самарқандга чақириб қоладиган бўлишса, сенга ҳам бирон чора топармиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Таскин топмоқ** Таскин берувчи нарсалар таъсирида тинчланмоқ. *Қандай гап айтса, Икромжон амакининг кўнгли таскин топаркин?* С. Аҳмад, Уфқ. *Нафисахон қизини кўрмаган бўлса ҳам, кампирнинг гапларидан ҳақиқатни англаб, юраги таскин топди.* Мирмуҳсин, Умид. *..oриқлаб, сарғайиб кетган юзига ранг кириб қолганини кўриб таскин топди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАСЛИМ [*а.* تسليم — саломлашиш; ён бериш; топшириш; душмандан енгилиш] Курашда, жанг, тортишув ва ш. к. да енгилиб, қаршиликни тўхтатиш, мағлубиятни тан олиш. *Таслим билмас қўшиним ана менинг, Ғазаби бор бир дунё — оташга тенг.* Ҳ. Олимжон. *Ўзини ишқ азобларини енгишга, мақсадга етишга қодир деб билган одам таслимни тан олмайди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

Таслим бўлмоқ 1) жангда, курашда, тортишувда енгилиб, қаршиликни тўхтатмоқ. *Душман таслим бўлди.* ▬ *Қуршовда қолган немисларни таслим бўлишга чақирдик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Жаҳл отига минган хон беҳуда уринди, қиз таслим бўлмади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бўтабой аскиядан енгилиб, таслим бўлдим, дегандек икки қўлини кўтарди.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) қаршиликни тўхтатмоқ; бўйсунмоқ. *Мунча минг ёш-яланг келади-ю, чўл дарров таслим бўлади-қўядими?* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Таслим қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) душман ёки рақиб устидан ғолиб келмоқ; енгмоқ. *Душманни таслим қилмоқ.* ▬ *Тожиали Бобоев Берлинни босиб олиш, гитлерчиларни таслим этиш учун муносиб ҳисса қўшди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) беллашув, баҳс кабиларда устун келмоқ, мағлуб қилмоқ, енгмоқ. *Рақибини таслим қилмоқ.*

Жон таслим қилмоқ Жон бермоқ, жони узилмоқ; ўлмоқ. *Унинг жон таслим қилганига ишонч ҳосил қилгач, хонга қаради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАСЛИМЧИ 1 Ғолиб томон шартларига кўниб, қаршилик кўрсатишни тўхтатувчи, таслим бўлувчи.

2 *кўчма* Қаршиликлар, тўсиқлар, қийинчиликлар олдида орқага чекинувчи, ўзининг кучсиз, иложсиз эканини тан олувчи. *Таслимчиларга қарши курашмоқ.*

ТАСЛИМЧИЛИК Таслимчига хос иш тутиш, таслим бўлиш сиёсати.

ТАСМА 1 Узун, энсиз тери. *Ботир арслонни ўлдириб, терисидан бир тасма олди.* «Эртаклар».

2 Шундай кўринишда бўлган, боғлаш, бириктириш ва ш.к. учун ишлатиладиган, тери ёки пишиқ матодан ясалган энсиз буюм; қайиш, камар. *Юган тасмаси. Милтиқ тасмаси.* ▬ *Бобоқул ота қўзичоқнинг қўлтиғидан брезент тасма тортарди-да, кичкинагина тарозининг илгагига илиб кўтарарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кейин қизил дастали устарани тасмага шарт-шарт қайраб, чамадонга жойлаштирди.* «Гулдаста». *Бошлиқ ориқ, чўзинчоқ юзли, бир кўзи ингичка тасма билан бойланган новча киши эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Баъзи бир механизмлар ёки транспорт мосламаларининг тўхтовсиз ҳаракатланиши ва б. вазифа учун қўлланадиган, чарм ёки бошқа пишиқ тўқимадан ишланган узун буюм; лента. *Вентиляция тасмаси.* ▬ *Яқин келгусида ҳозиргидан уч баравар кўпга чидайдиган капрон тасма ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.* С. Абдуллаев, Газламанинг «умри». *Шпинделларни ҳаракатга келтирувчи тасма, вентиляторларнинг шкивлари шу вақтгача ўрнатилмабди.* Газетадан.

4 *кўчма.* Лента. *Бир дам олиш куни Тошкент радиосидан иккита мухбир келиб, сўзимизни магнит тасмасига ёзиб олди.* Т. Расулов, Сарбон.

ТАСМАДАЙ, -дек 1 Тасмага ўхшаш, тасма каби. *Кўклам ёмғири қорни эритган, фақат олис-олисларда, тоғ ёнбағирларида қор суви оқ тасмадай милт-милт жилдираб тушмоқда.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Осмонда оппоқ булутлардан узилиб тушган ипак тасмадек мезон тўрлари сузади.* С. Нуров,

Нарвон. *..тасмадек узала кетган йўлга қаради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма* Хипча ва хушбичим (асосан кимса ҳақида). [*Ойша:*] *Ҳой, Комилжон, хотининг тасмадеккина экан. Илоҳим, қўша қаринглар.* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам – дилим.

ТАСНИФ [*а.* تصنيف – танлаб олиш; турларга ажратиш] Нарса ва ҳодисаларни уларнинг ўзига хос белги, хусусиятларига қараб тур, туркум ва ш.к. га ажратиш. *Ўзбек тили шеваларининг таснифи.* ▬ *Ўзбекистон топонимларининг лексик-семантик таснифида терминологик бир хиллик йўқ.* «ЎТА».

Тасниф қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Маълум белги-хусусиятлари асосида тур, туркумларга ажратмоқ, тур, туркумларини белгиламоқ. *Имловий принциплар, уларни белгилаш ва тасниф қилиш юзасидан айтилган нуқтаи назарлар ўзаро турли тафовутларга эга.* Э. Бегматов, Ўзбек имлоси. *Сўз санъати асарларини тур ва жанрларга тасниф этиш тарихи жуда қадим замонлардан бошланади.* «Адабиёт назарияси».

ТАСНИФЛАМОҚ Тасниф қилмоқ. *Туркий тилларни таснифламоқ.*

ТАСОДИФ [*а.* تصادف – бир-бирига тўғри (дуч) келиш; бир-бирига мос келиш; бир хиллик] **1** Фавқулодда, кутилмаган ҳол, воқеа, ҳодиса. *Бахтли тасодиф. Кўнгилсиз тасодиф. Ҳар қандай тасодифга тайёр турмоқ.* ▬ *Тасодифдан хурсандман беҳад, Дучор қилди бахтга бир сафар.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Тасодифни қарангки, Муҳиддин Солияхонга дуч келиб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳикоя алоҳида шахсларнинг яхшилиги ё ёмонлиги ҳақида, ё бўлмаса, турмушдаги бирор тасодиф устида ёзилмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *флс.* Нарса ва ҳодисаларнинг ички табиати билан боғлиқ бўлмаган, ундан ташқарида, юзаки ва иккинчи даражали, юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган воқеа-ҳодисани ифодаловчи фалсафий тушунча. *Зарурият ва тасодиф.*

ТАСОДИФАН *рвш.* Кутилмаган ҳолда, бирдан, қўққисдан, тасодифий равишда. *Тасодифан учрашмоқ.* ▬ *Раъно, қулоғи остига теккан иссиқликдан чўчиб, юзини ўнглаган эди, тасодифан лаби ҳалиги иссиқликка учрашди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *«Дадаси қайтиб келса, Нигорани танирмикин?» – тасодифан туғилган бу сўроқ Нигорани ҳаяжонга солди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАСОДИФИЙ Тасодиф тарзидаги, тасодиф ҳолидаги; кутилмаган; фавқулодда. *Тасодифий воқеа. Тасодифий учрашув.* ▬ *Тасодифий ҳодисаларда қаттиқ ярадор бўлганларга тез ёрдам бериш менга маъқул бўлди.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. *Бу уруш тасодифий эмас, албатта, бу воқелик осмондан тушгани йўқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАСҚАРА [*а.* صقر – лочин, қирғий] **1** *зоол.* Йиртқичлар туркумининг қарчиғайлар оиласига мансуб ўлаксахўр қуш. *Унинг устидан қора ҳошияли малла қанотларини аста елпитиб, каттакон тасқара учиб ўтди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Кўриниши ёқимсиз, турқи совуқ; беўхшов, хунук. *Наҳотки кексаларни ҳурмат қилмайдиган, бетайин баъзи тасқаралар ўз ишини маъқул қилиб юра берса.* Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. *Уйинг куйгур тасқара миршаблар изингга тушиб қувладими?* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАТАББУ [*а.* تتبع – бирор нарсанинг кетидан тушиш, эргашиб, изидан бориб текшириш; таъқиб қилиш] *эск. кт.* Текшириш, ўрганиш; тадқиқот, таҳлил. *Илмий татаббу.* ▬ *Бойқаро ўз ғазалини жамики шоирларга татаббу учун берди.* Ойбек, Навоий. *Илмни халққа берингиз, татаббу ва тафаккур билан илмни кенгайтирмоққа ҳаракат қилингиз.* Ойбек, Навоий.

ТАТАЛАМОҚ 1 Тирнамоқ, тимдаламоқ. *Ит ерни таталади.* ▬ *Адолат бир жойни панжаси билан таталади, кетмонда ковлади, аммо булоқ кўзини топа олмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чироқни ёқмоқчи бўлганида, эшикни биров, худди мушук таталагандай, тақирлатди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўчма* Ковлаштирмоқ, титмоқ, титкиламоқ. *Иш давомида унда-бунда бегона сўзларни эшитиб, кейин эса китоб таталаб, инглизчани бир оз билиб олдим.* «Гулдаста».

3 *кўчма* Бетинч бўлмоқ (қилмоқ), ғаш қилмоқ, тирнамоқ (кўнгилни, дилни). *Хавотирлик юрагини таталади.* ▬ *Невarasidan безовта бўлиб, юраги таталаб кетаётганини, ота-онасига қандай хабар беришни билмай йиғларди.* Мирмуҳсин, Умид.

4 *кўчма. с. т.* Уриниб-суринмоқ, тиришмоқ. *Мунаввар русчага у қадар уста бўлмаса ҳам, уялиб қолмаслик учун таталаб, маъносини тушунишга ҳаракат қилар эди.* С. Анорбоев, Меҳр.

Қорни таталамоқ Қорни жуда очмоқ, очликдан бетоқат бўла бошламоқ. *Қудрат, қорни таталаб кетганидан, ҳовли бурчагидаги янги ўчоққа осиғлиқ декча қопқоғини очиб кўрди: декча бўш эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТАТАМИ [*яп.* – похол бўйра, бордон] *спрт.* Дзюдо кураши учун мўлжалланган таранг, эластик гилам. *Дунёнинг энг донгдор спортчилари билан татамига чиққан вакилларимиз ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш эта олишди.* Газетадан.

ТАТАР 1 Татаристон Республикаси асосий аҳолисини ташкил этувчи халқнинг номи. *Татар халқи. Татар миллати.*

2 Шу халқ, миллатга оид, тегишли, мансуб. *Татар тили. Татар йигит.* ▬ *-Булди, бор инди палатангга, – деди татар хотин.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *У татар артисткани таниб қолган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *..Абдулла Ўразаев татар адабий муҳитига яқинлашади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ТАТАРЛАР 1 Татаристон Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этувчи, туркий тилда сўзлашувчи халқ.

2 Волгабўйи, Сибирь ва Қримда яшовчи, туркий тилларда сўзлашувчи бир қанча элатларнинг умумий атамаси.

ТАТАРЧА 1 Татар миллатига, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Татарча қўшиқ. Татарча дўппи.*

2 Татар тили. *Татарчани ўрганмоқ. Татарча гаплашмоқ.*

ТАТБИҚ [*а.* تطبيق – қўллаш; ишлатиш, ишга солиш; амалиёт] Амалда ишлатиш, қўллаш. *Ядро энергиясининг тинч мақсадлар учун татбиқи.* ▬ *Бу усулнинг татбиқи мумкинлигига ва ғоят фойдалилигига мутахассислар иқрор эдилар.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Татбиқ қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ишлатмоқ, қўлламоқ, ишга солмоқ. *Ҳозир аспирантурага кириш учун ҳеч бўлмаганда икки йил ишлаб, институтда олган таълимни ҳаётга татбиқ қилиш керак.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Урф-одат масаласи – турмушга татбиқ этиб бориладиган масала.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАТБИҚИЙ Амалда татбиқ этиладиган, қўлланадиган. *Татбиқий механика.*

ТАТИМ I **1** Равоч уруғи (дори тайёрлаш учун ишлатилади).

2 *шв.* **тотим.**

ТАТИМ II Таъсир этиш қуввати; таъм, маза. *Ўз юртингда пишган нонга нима етсин! Таъми ҳам, татими ҳам бошқа.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАТИМЛИ 1 Яхши таъм берадиган; мазали, таъмли, тотли. *Татимли овқат.*

2 Татими яхши, яхши татийдиган. *Татимли чой.*

ТАТИМОҚ 1 *айн.* **тотмоқ.** *Овқатнинг тузини татимоқ. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимоқ.* ▬ *Қамбар эгилиб шивирлади: -Ичасизми? Озгина қуйиб берай. Жуда хуштаъм мусаллас. -Сира татиб кўрган эмасман. Керак эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Раззоқ*] *У ердан* [*мактабдан*].. *қорни очиб, кўзлари киртайиб, кеч қайтарди-да, олдига қўйилган таомдан татир-татимас, аллақаерга жўнарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Таъсир қилмоқ; таъсири билинмоқ; юқмоқ. *Қатиқ мошхўрдага яхши татийди.* ▬ *Овқат [Шавкатжонга] мазалироқ татиди.* Н. Мақсудов, Умидли бола. *Болам бечорани тинч қўясанми, йўқми? Еган-ичгани татимай, кундан-кунга.. қотиб кетяпти ўзи.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.

Арзоннинг шўрваси татимас Арзон нарса ёки меҳнатсиз топилган даромад, маблағнинг баракаси бўлмайди, ёлчитмайди маъносидаги мақол. *Синглим, ҳеч қачон ишнинг осонини ахтарманг. Арзоннинг шўрваси татимас, деган гап бор.* Уйғун, Сўнгги пушаймон.

3 Кифоя қилмоқ, кифоя бўлмоқ, етмоқ. *Бутун умрга татийдиган сабоқ. Урпоғингда бўлса, уруғингга татийди.* Мақол. ▬ *Ўзи эллик гектар ер-у, дахмазаси беш юз гектарга татийди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Оддий [бир кило] гуруч беш кишилик ош бўлса, девзира палов ўн кишига татийди.* Газетадан.

ТАТИНМОҚ *қ.* **тотинмоқ.**

ТАТИР *бот.* Шўрхок ерда ўсадиган бутасимон ўсимлик.

ТАТИҚ: татиғини бермоқ *кам қўлл.* Жазосини, адабини, таъзирини бермоқ. *Булар-*

нинг татиғини бермасам!.. Ҳе, кўзларинг қурсин! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Татиғини емоқ** (*ёки* **тотмоқ)** *кам. қўлл.* 1) жазосини тортмоқ, адабини, таъзирини емоқ. *Ҳа, бу қилмишинг учун татиғингни ейсан;* 2) мазасини, лаззатини тотмоқ. *Кўп йиллар тинчгина турган қиличнинг Татиғин душман тотажак энди.* Ғ. Ғулом.

ТАТУИРОВКА [*фр.* tatouer – расм, белги чизиш < *полинезча* tatau – расм, тасвир, белги] **1** Игна ёки бошқа нарса воситасида махсус бўёқ билан киши танасига расм, тасвир тушириш, сўз ёзиш.

2 Шундай йўл билан туширилган расм, тасвир, ёзилган сўз. *Мен унинг билагидаги татуировкасини кўриб қолдим.* П. Қодиров, Эрк.

ТАФ [*ф.* تف – ҳарорат; иситма; буғ; нур, жило]: **таф тортмаслик** Чўчимаслик, қўрқмаслик, ҳадиксирамаслик. *Қотма, баланд бўйли, кенг елкали, ҳеч кимдан таф тортмайдиган Худоёр ўрнидан турди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

ТАФАККУР [*а.* تفكّر – фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш] **1** Объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти; фикрлаш. *Тил тафаккур билан бевосита боғлиқдир.* ▬ *Инсоният юксак хаёлот ва тафаккур кучи билан яратган барча маънавий-бадиий бойликлар орасида оғзаки ижод намуналари алоҳида ажралиб туради.* «Фан ва турмуш».

2 Ўйлаш, фикр юритиш, муҳокама; ўй. *Бир соатлик тафаккур бир йиллик тоатдан афзал.* Ойбек, Навоий. *Ки ҳар ишники қилди одамизот, Тафаккур бирла билди одамизот.* Алишер Навоий. *Орага узоқ, вазмин хомушлик тушди. Малика бир нуқтага тикилиб, тафаккурга чўкди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ТАФОВУТ [*а.* تفاوت – айирма, фарқ; ихтилоф] Нарса, ҳодиса ва ш.к. орасидаги ноўхшашлик, фарқ, айирма. *Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут.* ▬ *Лавозим ва хизматимиздаги тафовут: мен – штаб бошлиғи, Нарзи – оддий аскар, пулемётчи.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Нафиса унинг андазасига сал ҳам тўғри келмас эди: тафовут фил билан қумурсқача!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТАФРИҚ(А) [*а.* تفريق / تفرقه – фарқланиш, ўхшамаслик; ажралиб, бошқа-бошқа бўлиш] *эск. кт.* **1** Фарқ, тафовут; фарқланиш.

2 Фарқ, ажралиш ёки ажратиш туфайли юзага келган низо; нифоқ, адоват. *Бу маъносиз ғавғо подшонинг фармони билан рўй берди. Халқ орасига тафриқа солмоқдан ўзга иш йўқми, ажабо!* Ойбек, Навоий.

ТАФСИЛ [*а.* تفصيل – бичиш, бичиқ; атрофлича, аниқ, очиқ баён қилиш] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг ҳар бир айрим нуқтаси, майда-чуйда тафсилоти; шундай тафсилотларни ўз ичига олган баён, батафсил изоҳ. *Ҳатто кундошини паришонхотир қилган бу гап Отабекка қандай таъсир қилиши кўп тафсилга муҳтож эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Улардаги ҳар бир образ, манзара ва тафсил билан қизиқдим.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ТАФСИЛИЙ Бутун тафсилотини ўз ичига олган; батафсил, изоҳли. *Тафсилий ҳикоя.* ▬ *Йўлда менга воқеани тафсилий равишда сўзлаб бердилар.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. *Биз қиссамизнинг ҳажми сиғдирмаганликдан, Абдураҳмоннинг шаҳардаги сафил ҳаётига тафсилий тўхтай олмаймиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАФСИЛЛАМОҚ Бутун тафсилоти билан, тўла, батафсил тушунтирмоқ, муфассал баён қилмоқ, изоҳламоқ. *Воқеани тафсилламоқ. Тафсиллаб айтиб бермоқ.*

ТАФСИЛЛИ Бутун тафсилотини ўз ичига олган; муфассал. *Тафсилли жавоб.* ▬ *Аҳмад Ҳусайн узоқ сўзлади, деҳқонларнинг ҳаётини ёрқин, чуқур тафсилли ҳикоя қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

ТАФСИЛОТ [*а.* تفصيلات – «тафсил» с. кўпл.] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг тафсили, майда-чуйдаси. *Ўша жанг тафсилотини эслаганимда, барча қуролдош дўстларим кўз ўнгимда бирма-бир гавдаланади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *У Замирани таниганидан бери, ораларидан нима ўтган бўлса, ҳаммаси, майда-чуйда тафсилотларигача, хаёлида тинмай такрорланарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТАФСИР [*а.* تفسير – шарҳ, изоҳ, матннинг маъносини очиш; маъно, мазмун] *кт.* **1** Бирор гап, воқеа-ҳодиса, матн ва ш.к. га берилган мукаммал изоҳ, шарҳ, тушунтириш. *Қуръоннинг тафсири. Муаммонинг тафсири. Тафсир қилмоқ.*

2 *тар.* Қуръоннинг мадрасаларда алоҳида фан сифатида ўрганиладиган муфассал шарҳи. *Аҳмадхўжа ўз хатида Мадрасаи олияда тафсир, ҳадис, илми кимё каби турли илмлар ўқитилишини ёзган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ТАФСИРЛАМОҚ Маъносини тушунтириб, изоҳлаб бермоқ, шарҳламоқ, тафсир қилмоқ. *Олим Бедилни тафсирлашга киришди.*

ТАФСИРЧИ Бирор нарсанинг маъносини тушунтириб, изоҳлаб берувчи шахс. *Қуръон тафсирчилари.*

ТАФТ [*ф.* تفت – иситма, ҳарорат] Иссиқлик манбаи ёки қизиб турган нарсадан ураётган иссиқ, ҳарорат. *Тандирнинг тафти. Оловнинг тафти. Гулхан тафтида исинмоқ.* ■ *Кеч кириб, ҳавонинг тафти қайтди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Мовий осмон тиниқ ва беғубор, ҳали тахтга минмаган қуёшнинг тафти баданни куйдирмайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Иссиқликдан кўтарилаётган буғсимон нарса; ҳовур. *Эгатлардан жимир-жимир тафт кўтарилади. Қушлар кўринмайди.* С. Нуров, Нарвон.

3 *кўчма* Шахс ёки нарсанинг ҳарорат даражаси ҳолати; температура. *Сувнинг тафтини билгиси келди шекилли, ғўдир бармоқларини ботирди.* Р. Раҳмонов, Восил ака. *Шу тариқа тажриба ҳам тўплана борди, чўл ерларининг тафти, маромини ҳам ўрганиб олишди.* Газетадан.

4 *кўчма* Ижобий таъсирли, ҳаётбахш ҳарорат, ўт. *Ҳовлида одам борки, жон бор. Девордан тортиб дов-дарахтгача.. ошхонадан тортиб донхонагача, рўзғор буюмларигача – бари одам тафти билан тирик.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Бу сатрларнинг тафтидан Зуҳра бегимнинг қалбига яна илиқлик югурди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 *кўчма* Киши руҳидаги ёқимсиз ҳолат, ғубор. *Овқатдан олдин ювиниб чиқасизми – совуқ сув одамнинг тафтини босади.* А. Қаҳҳор, Аяжонларим. *Одам тафтини одам олади, деганлари шу-да, иним.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Диққати ошиб, дили қоронғи бўлиб кетган кезларида челакни шафтолига тўлдириб, ётоғимизга келиб қолади. Бизни койиб-койиб, тафтини ёзиб кетади.* С. Аҳмад, Онажонлар.

6 *кўчма* Ўзини юқори олиш, манманлик кайфияти. *Ҳалима ўша Ойжамол опа келиб кетгандаги можародан кейин анча тафтидан тушган, ўзгара бошлаган эди.* Ж. Абдуллахонов, Гулчеҳра.

Тафт тортмаслик *айн.* **таф тортмаслик** *қ.* **таф.** *Шунинг учун улар ниятларига етиш йўлида оғирликлардан тафт тортмадилар.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ТАФТИШ [*а.* تفتيش – излаш, қидириш; текшириш, назорат қилиш] **1** *эск.* Бўлиб ўтган иш, ҳодиса ва ш.к. юзасидан ёки ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув, тергов, сўроқ. *Режали йиллик тафтиш. Тафтиш комиссияси.* ■ [*Навоий:*] *Тафтишлар шуни кўрсатадики, Ёдгорбек қўзғолонида бу одамнинг ҳам қўли бўлган.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ўғлингиз сиздан яшириб, Ҳамза ҳожининг бедин мактабига қатнармиш деб эшитаман, шу ростми? -Тафтиш қилдим, тақсир, қатнар экан.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *эск.* Қидирув, тинтув. *Ўғрилар тутилсин, дорга осилсин! Ҳар бир хонадон тафтиш қилинсин.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Бирор муассаса ёки мансабдор шахснинг молиявий-хўжалик фаолиятининг тўғрилиги, қонунийлигини аниқлаш мақсадидаги текширув. *Биринчи тафтиш юзаки ўтказилгани ҳақида эътирозлар туғилгач, республика агросаноат комитетидан мутахассис чақиришди.* «Муштум».

Тафтиш қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Текширув ўтказмоқ (**тафтиш** ҳар учала маъносида). *Партбюро Оғажоннинг аризасини тафтиш этиш юзасидан комиссия тузди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Эшмамат Ашуровнинг иш фаолияти тафтиш қилинганда, минг сўмга яқин камомад аниқланди, иш ҳақидан 2138 сўм ортиқча олинган.* «Муштум».

ТАФТИШЧИ Тафтиш қилувчи, текширувчи. *Халқ назорати постидагилар Илҳомчанинг эгри қўллиги ҳақида милицияга сигнал беришибди. Аммо тафтишчилар келганда, Илҳомча аллақачон қочиб улгурган эди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Пихи қайрилган тафтишчилар қасд қилганда ҳам, бирон марта камомад тополмаганлар.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ТАФФОТ *шв.* Кўнгилни беҳузур қилувчи иссиқ шамол; гармсел. *Туш маҳали эди. Бу пайт Бухорода кун жуда оғир кечарди. «Кўчага чиқма, таффот келди», дейишарди оналар фарзандларини гармселдан асраш*

ниятида. С. Кароматов, Бир томчи қон. *Гоҳо ёз ойлари бу ерда таффот эсади.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

ТАХ 1 Дазмол урилган ёки тахланган нарсанинг текис қайрилган, букилган жойи, чизиғи. *Дўппининг тахи. Тахини ёзмоқ. Дазмол уриб, тахини текисламоқ. Дазмоллаб, шимга тах солмоқ. Тахтакачлаб, дўппининг тахини чиқармоқ.* ▬ *Келин чой қуя туриб, кўзи тахи очилмаган дўппига тушди, севинч билан уни қўлига олди, миннатдорчилик билдирди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. *Дилшод хат тахини очди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тахига солмоқ Букилган, қайрилган жойидан қайта букиб, яна аслидай қилиб тахлаб қўймоқ. *[Кумуш] Кўз ёшини дув-дув тўкиб, хатни ўз тахига солди ва ўзидан жавоб кутиб турган ачаси билан онасига деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Териб, тахлаб қўйилган нарса ёки унинг ҳар бир тахлами. *Бир тах пул.*

Тах урмоқ Зиҳ чиқариб тахлаб, йиғиб қўймоқ (кийим, ўрин-кўрпа ва ш.к. ни). *Дўппига тах урмоқ. Ўрин-кўрпаларни сандиқ устига тах урмоқ.* **Тахи бузилмаган** 1) янги, кийилмаган, тутилмаган. *Кимсан тахи бузилмаган катта костюмининг енгини осилтириб, кўчада ёлғиз турар экан, ўзига-ўзи кулгили кўриниб кетди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Она тахи бузилмаган кўрпачаларни ташлаб, айвонга жой қилди.* Н. Ёқубов, Ҳавас; 2) қўл тегизилмаган, ишлатилмаган. *Тахи бузилмаган пул.* ▬ *..кенг пахтазор майдонида пахта чунонам бўлибдики, қанча терилса ҳам, тахи бузилмагандай.* Ҳ. Назир, Олмос. *Уйга берилган топшириқлар тахи бузилмасдан турган эди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ТАХАЙЮЛ [*а.* تخيل — ўйлаш, хаёл қилиш, тасаввур этиш] *эск. кт.* Хаёлга келтириш, ўй суриш, хаёлот. *Тахайюл майига термиламан жим.* Р. Парфи, Кўзлар.

ТАХАЛЛУС [*а.* تخلص — ўзини ўзи қутқариш, озод қилиш; халос бўлиш] Бирор ижодкор (шоир, ёзувчи, рассом, олим ва ш.к.) ёки сиёсий арбобнинг ўзи учун танлаб олган бошқа, иккинчи номи. *Мен — Юсуфийман, тахаллусим — Ўткир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Муҳаммад Раҳим, табиатан музика ва адабиётга ҳаваскор бўлиб, «Феруз» тахаллусида шеърлар ёзган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАХИР 1 Таъми оғизни буриштирадиган; какра, талха. *Тахир дори. Тахир шафтоли.* ▬ *Унинг* [*Салимбойнинг*] *кенг қора қошли, қўй кўзли, пешонаси серажин чўзиқ юзи худди тахир бир нима егандек буришди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Мева ғўралигида тахир бўлади, еган кишининг лабини қиздиради.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Дағал, бадхазм (гап, сўз, муомала ва ш. к. ҳақида). *Тахир гап.* ▬ *Харидорлар сотувчидан тахир сўз эшитмаслик учун индамай чиқиб кетишди.* «Муштум».

Тахирини чиқармоқ Шарманда қилмоқ, изза қилмоқ; пачавасини чиқармоқ. *..вақти келиб, ҳовуридан тушиб қолар, деб ўзига сабр бериб, эрининг тахирини кўчага чиқармади.* Р. Раҳмон, Қиз — азиз фарзанд-ку! *Аммо сўкавериб, бир-иккита вакилнинг тахирини чиқариб юборди.* «Муштум».

ТАХЛАМ Териб, тахлаб қўйилган нарса ва унинг ҳар бир тўпи. *Бир тахлам китоб.* ▬ *Зокир Усмон ичкари уйдан эски газеталар тахламини олиб чиқди.* «Ёшлик».

ТАХЛАМОҚ 1 Буклаб, тахига солиб қўймоқ; буклаб, тахига солиб жойламоқ. *Онам устимдан чопонимни ечиб олиб, тахлаб қўйибдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Мен шамшод хивичидан тўқилган буклама курсичамни тахладим.* «Гулдаста». *Хотин индамади, рў(й)жани тахлаб, столнинг устига суриб қўйди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Устма-уст термоқ, устма-уст қўйиб жойламоқ. *..татар аёл китобларни бир четкага тахларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ота чайланинг тўрига тахлаб қўйилган кўрпалар устидаги ёстиққа ишора қилди: -Ҳеч уялиб-нетиб ўтирма.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Уст-устига, кетма-кет келтирмоқ, қўшмоқ, қалаштирмоқ (гап-сўз ва ш.к. ҳақида). *Кейин биринчи навбатда нима ишлар қилиш кераклигини тахлаб ташлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Мактаб директори Соат Лочинов.. бирпасда талай гапни тахлаб ташлади.* Газетадан. *..баҳона тахлаб ташлаётган Жавҳардан Расулжоннинг жаҳли чиқди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТАХЛИТ [*а.* تقليد — «тақлид» (ўхшатиш, ўхшаш, ўхшатма) с. нинг бузилгани] **1** Кўриниш, шакл, қиёфа. *Одам тахлитидаги маймун. Ака-ука қуйиб қўйгандек бир тахлитда.* ▬ *Баъзи жойда квадрат аниқ, баъзи*

жойларда тахлити ҳам йўқ. И. Раҳим, Ихлос. *Ҳар қадамда нураган, хароба деворлар кўп учрайди. Бу қишлоқнинг тахлити ана шундай эди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *..нонни иштаҳасиз тишлар, мискарлар томонидан самовар тахлитида ясалган қумғондан чой қуяр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Айрим сўзлар ва кўрсатиш олмошлари билан қўлланиб, усул, йўсин, тарз маъносини билдиради. *Иш тахлити. Юриш-туриш тахлити.* ▬ *Шу тахлит юк тугагунча.. терлаб ишлашди.* «Ёшлик». *Уларнинг турмуши шодлик ҳам кўрмай, аччиқ-чучукни ҳам сезмай, шунчаки бир рўзғор тебратиш тахлитида ўтди.* И. Раҳим, Ихлос. *Хачирга миниб, сиз билан бир тахлитда бораман.* «Латифалар».

3 *кўм. взф.* Ўхшатиш, қиёс билдиради; каби, сингари. *Бу тахлит чистоний байтлар қадимда ҳам олий ҳазратнинг истаклари ила битилур эди.* С. Сиёев, Аваз. -*Олло ниятингизни берсин! — деди.. ўзини улуғвор ва юксак мансабдор тахлит тутиб.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

ТАХЛОҒЛИҚ Тахлаб, териб қўйилган, тахланган. *Тахлоғлиқ қоғоз. Тахмондаги тахлоғлиқ кўрпалар.* ▬ *Нигора кўз ёшини артиб, тахлоғлиқ турган китоблар ичидан дафтар олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАХМИН [*а.* تخمين — фараз, гумон; мўлжал, чама] Ўйлаб, чамалаб, мўлжаллаб ёки қандайдир мулоҳаза ва ш.к. га асосланиб қилинган фараз, чама. *Тахмини тўғри чиқди.* ▬ *Ана шундан кейин.. одамлардан бири ўз тахминини сўзлай кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўрган заҳотим, ўзбек қизимикан, деган эдим, тахминим тўғри чиқди.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Зиёдилланинг тахминича, Комил афанди Бўронбекнинг уйига етиб келган ва агар келмаган бўлса ҳам, ҳозир етиб келиши керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Тахмин қилмоқ ..деб ўйламоқ, фараз қилмоқ, ўйламоқ. *Абдумажидлар, Зариф ота тахмин қилганидек, ўн иккидан анча ошганда келишди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Бозорга сабзи-пиёзми ё картошка олиб келиб, бола-чақаларига кийим-кечак қилиб кетаётган деҳқон бўлса керак, деб тахмин қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАХМИНАН [*а.* تخميناً — тахмин асосида, тахмин бўйича, тақрибан, қарийб] Тахминга кўра; чамалаб, тахмин қилиб олганда (айтганда, кўрганда). *Улар бир-биридан тахминан бир ёш-бир ярим ёш фарқ қилади.* Ф. Мусажонов, Нозик масала. *Қамчи охирги марта қаторасига ўқ отилган жойни тахминан мўлжалга олган бўлса ҳам, тўқайга кирганда, мўлжалдан адашди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТАХМИНИЙ Тахминга асосланган, тахмин, чама билан белгиланган, тахмин қилинган; дастлабки, хомаки. *Тахминий маълумот. Тахминий ҳисоб.* ▬ *Тахминий гаплар қулоққа ёқмайдиган бўлиб қолди. Режасиз, таваккал иш фақат зарар келтириши мумкин.* Ҳ. Ғулом, Меҳнат ва гўзаллик.

ТАХМИНЛАМОҚ Тахмин асосида ҳукм чиқармоқ, тахмин қилмоқ, чамаламоқ, мўлжалламоқ. *Қассоб қўйни, гўшт-ёғи билан, қирқ беш кило тахминлади.* ▬ *Бир йили.. қариялар чинорнинг ёшини ҳисоблаб, мингга кирадиган фаслини тахминлаб эълон қилишибди.* А. Мухтор, Чинор.

ТАХМОН Уй ёки айвон деворида: сандиқ ўрнатиб, устига ўрин-кўрпа йиғиб қўйиладиган токчасимон махсус жой. *Уйнинг тўрида иккита тахмон. Тахмонга ўрин йиғмоқ.* ▬ *Холдорхон тахмондан кўрпача олиб ёзди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Шаҳзодахон бир нозик шох ташлаб.. шоҳи атлас кўрпа-кўрпачалар тўла тахмонга борди..* К. Яшин, Ҳамза.

ТАХОМЕТР [*юн.* tachos — тезлик + metreo — ўлчайман] Вал, ғилдирак ва ш.к. нарсаларнинг айланиш тезлигини ўлчайдиган асбоб; спидометрнинг бир тури.

ТАХТ I [*ф.* تخت — подшоҳнинг маросимларда ўтирадиган махсус ўриндиғи] **1** Расмий қабул ва бошқа тантанали маросимларда шоҳ, хон ва амир ўтириши учун сарой тўрига ўрнатилган, махсус безатиб ишланган жой, ҳашаматли ўриндиқ. *Хон тахтда эди. Ўнг тараф курсида Абдураҳмон офтобачи ва сўлда шоир мулла Ниёз домла қўл боғлаб ўтирар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шайбонийхон у билан тахт устидан тушмасдан сўрашди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Абусаид тўппа-тўғри Аркка кўтарилиб, катта ҳовлидаги қадимий тахтга ўтирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Подшоҳ, хон, амир лавозими; подшоҳлик, хонлик, амирлик. *Агар кушойиши корингизни бериб, тахт Жаҳонгир мирзога ўтса, сиз унинг энг ишонган раҳнамоси бўлурсиз.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Зулм, тахтга*

қарши исён Шарқ кўксида тўлиб тошди. Ғайратий.

3 *кўчма* Мансаб, лавозим (ўрни). *Тахтда ёлғиз бўлишни, барча оғзига тикилиб ўтиришини истарди Қаюмхон.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Тахтга чиқмоқ (*ёки* **ўтирмоқ, минмоқ**) 1) шоҳ, хон ёки амир лавозимига кўтарилмоқ, ҳокимият тепасига чиқмоқ. *Аслида бу отни Улуғбек мирзо Самарқанд тахтига чиққан пайтида Бухоро беги туҳфа этган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..бир куни одил бир амирзода Хуросон тахтига ўтиргач, золимни жазолайди, деб ўйларди.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) бирор вазифага, лавозимга кўтарилмоқ. *Халиловнинг техникаси, Халиловнинг ўзи ҳам эскириб қолган эмиш. Сен қоч, мен чиқаман тахтингга, дегани эмасми бу тирмизакнинг.* И. Раҳим, Ихлос. **Тахтдан тушмоқ** (*ёки* **йиқилмоқ**) 1) шоҳлик, хонлик, амирлик лавозимидан ажралмоқ, ҳокимият тепасидан тушмоқ. *Ҳайдар ота шаҳарга борган эди, «оқ пошшо тахтдан тушди» деган гапни эшитиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо; 2) *кўчма с. т.* вазифасидан, амалидан тушмоқ, бекор бўлмоқ. *Яхшиси, ўша куни, ошпазлик тахтидан тушган кунинг, ўзингни осиб қўя қолсанг ҳам бўлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТАХТ II Фойдаланиш ёки ишлатиш учун тайёр, шай; муҳайё. *Ҳамма нарса ишни бошлаш учун тахт.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Милтиқлар тахт, отлар тайёр, лекин кимнингдир қуш олиб келишини кутишар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

Тахт турмоқ Чидаб, бардош бериб турмоқ; тек турмоқ; сабр қилмоқ. [*Шарофат*] *Ғазабидан эмас, отилаётган нарсаларга чап бермай, тахт турган Сидиқжоннинг олов сочаётган кўзларини кўриб, қўрққанидан отар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тахт қилмоқ** Тайёр, муҳайё ҳолга келтирмоқ. *Мен Йўлдошнинг маошини йиғиб, тўйни тахт қилиб қўйибман.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Бутазорда йигитлар қуролларини тахт қилиб, душманни пойлаб ётишди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТАХТА I [*ф.* تخته – тахта, лавҳа; варақ; ёғоч] **1** Ходадан узунасига тилиб олинган ясси ёғоч бўлаги. *Қарағай тахта. Тахтани рандаламоқ.* ▬ *Биринчи хонага кираверишда узун энли тахта қўйилибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ғуломжон.. даладаги теракзорларидан тўртта бақатеракни кестириб, тахта тилдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бўр билан хат ёзиш учун махсус ясалган мактаб-ўқув қуроли. *Хонада ўнтача эски, чанг босган парта, кираверишдаги деворга каттакон қора тахта қоқилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Болаларда дафтару қалам, синфда тахтаю бўр бўлса ҳам, ўқиш китобларининг йўқлиги Ғуломжонни ёмон дилхун қилар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *тар.* Абжад ёзилган дастали тахтача (эски мактабда ўқув қуроли сифатида ишлатилган). *Икки ҳафта ҳарфлар ёзилган «тахта» ўқиганимдан кейин домла: -Шанба куни ҳафтиякка тушасан.. – деди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

4 Турли мақсадда фойдаланиш учун тахта, фанер ва ш.к. дан ишланган нарса. *Шахмат тахтаси. Эълонлар тахтаси. Ёдгорлик тахтаси. Ош тахта.* ▬ *Мен уни теннис тахтасига бошлаб, ўзимча ўйин қоидасини тушунтирган бўлдим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Турли воқелик ва янгиликларни ёйишда шиор ва плакатлар, тематик стенд ва кўрсаткич тахталари алоҳида ўрин тутади.* Газетадан.

5 Турли ўлчамдаги тўрт бурчак яхлит қоғоз, варақ. *«Қочинг! Ўзим ёзаман», дедим. Ўтириб, етти тахта қоғозни тўлдирдим, эшитганларимнинг ҳаммасини ёздим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Анави қутида яхши, кўк чизиқли тахта қоғоз бор, ўшандан икки варағини олиб, мана бу ерга ўтир, қизим* [*деди Онахон*]. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

6 Шу тахлитдаги, ўлчамдаги ойна, тош, металл ва ш.к.; плита. *Мармар тахта. Бир тахта тунука. Бир тахта ойна. Тахта чой.* ▬ *Майдоннинг бир чеккасидаги кекса мажнунтол остида бир-бирига суяб қўйилган иккита қора тош тахта сағана шаклини олиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Четроққа чиқиб, бетон тахтага ўтирдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

7 *қ. х.* Марза билан ажратилган ер бўлаги; карта. *Икки тахта полиз. Туянинг ҳазили бир тахта ғўзани ейди.* Мақол. ▬ *Сойга тушгунча кўндаланг эгатли алоҳида тахта бошланади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Очилган ерни катта-катта тахта Қилиб, иш бошлади экмакка пахта.* Ҳабибий.

Тахта бўлиб қолмоқ *ёки* **тахтадай қотиб қолмоқ** Қўрқув ёки ҳайратдан тонг қотиб

қолмоқ, ҳайрон бўлиб қолмоқ. *Мезбон, у билан икки-уч оғиз гапиришди-да, билмадим, нима сир ўтдики, турган ерида тахта бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Маймун тилкаланган қурбонини кўтариб, деразада кўринганда, матрос тахтадай қотиб қолди.* «Фан ва турмуш». **Тахтага олмоқ (***ёки* **тортмоқ)** Сиқув ҳолатига олмоқ, исканжага олмоқ. *Ғиёсиддин қизиқ ҳолга тушди. Оқсоқол уни икки модда билан тахтага тортиб, тил-жағини боғлаб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Оқсоқол кўрса, мени тахтага торттиради, сени раисга топширади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Рисолатойни аввал тахтага олиб қарасам, Рустамбек билан икковининг орасида озгина элчилиги бор экан.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ТАХТА II [*ф.* تخته] Суянчиқсиз кенг диван.

ТАХТАБАНД [*ф.* تخته‌بند – тахта билан тўсилган; боғланган] *кам қўлл.* **1** Тахта қоқилган; тахта билан қуршалган, ажратилган. *Тахтабанд девор.* ▬ *Деразa ва эшикли, таги тахтабанд, усти тунукали икки уй, бир ошхона, бир оғилхона ва бир хашакхона – тамом!* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *айн.* **тахтакач.**

ТАХТАКАЧ 1 *махс.* Янги тайёрланиб букланган дўппини сиқиб (пресслаб), тахини чиқариш учун ишлатиладиган, устма-уст қўйилган икки тахтачадан иборат мослама; исканжа. [*Меҳрихон*] *Янги битказган дўппини тахтакачга бостирди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Телпагини қозиққа илиб, ҳозиргина тахтакачдан чиққандай янги чуст дўпписини чўзғилаб кийди-да, сўради.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *тиб.* Синган аъзо суягини қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш учун ишлатиладиган тахтача. *Оёққа тахтакач боғламоқ.* ▬ *Ахир у салкам бир йилдан буён.. тахтакачда шипга тикилганча ётибди.* Э. Охунова, Кўз кўзга тушганда.

3 *тар.* Айбдорнинг бўйнига солиб, боғлаб қўйиладиган жазолаш қуроли. *Хирожни тўламаган деҳқонларнинг бўйнига тахтакач осиб қўяр эдилар.* «Ўқиш китоби».

4 Ёнғоқ ўйинида: соққани қўйиб отиш учун мосланган тахта асбоб. *Соққани тахтакачга қўйиб отмоқ.*

ТАХТАКАЧДАЙ, -дек 1 Тахтакач каби, тахтакачга ўхшаш.

2 Жуда етилиб семирган, биққи семиз. *Совлиқ кичик бўлишига қарамай, тахтакачдек, бозорда мунчалик биққи қўй йўқ, десa бўлади.* С. Абдулла, Соялар. *Доим боқувда турган, орқасига эгар ботмай тахтакачдай.. семириб кетган тўриқ, эгасининг оёғи узангига тегиши билан, кўчага қараб интилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАХТАКАЧЛАМОҚ 1 Тахтакач орасига олиб, қисиб қотирмоқ. *Дўппини тахтакачламоқ.*

2 Синган аъзо суякларини тахтакач орасига олиб, сиқиб боғлаб қўймоқ. *Бобоқул ота қаёқдандир ёғоч топиб келди. Уни Нигора айтгандай қилиб йўнди. Икковлашиб Шербекнинг дод-войига ҳам қулоқ солмай, чап қўлини тахтакачлаб боғлашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳамширанинг ёнида қўлини тахтакачлаган новча доктор ҳам турарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАХТА-ЎҚЛОҒИ Оштахта ва ўқлоғи.

Тахта-ўқлоғини йиғиштирмоқ 1) хамир ёйиб бўлгач, тахта, ўқлоғи ва б. асбобларни йиғиштириб қўймоқ. *Масъуда тахта-ўқлоғини йиғиштириб, ошхонага қараб кетда.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема; 2) *айн.* **дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ** *(ёки* **кўтармоқ)** *қ.* **дов-дастгоҳ.** *[Шокир ота] «Повуркон» моллари ҳар ёқни тўлдириб, косибларнинг бозорини касод қилганлиги, иши чиппакка чиққан косиблар бирин-кетин «тахта-ўқлоғини» йиғиштираётганлиги ва ҳоказони тасвирлаб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАХТ(И)-БАХТ Бойлик, давлат. *Тахтибахтини ташладим, Қаландар бўп, йўл бошладим.* «Рустамхон». [*Жамила:*] *Мени олар эмиш. Ҳо-ҳо. Мен сендай қорин бойларни, тахти-бахтинг билан, ўзимнинг камбағал эримнинг ҳаром тукига олмасман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ТАХТИРАВОН [*ф.* تخت‌روان – юрувчи тахт] **1** Шарқ мамлакатлари ва Жанубий Америкада: маълум бир сафар чоғида олий мартабали шахслар ўтқазилиб, сопи елкага қўйиб кўтариладиган ёки фил устига ўрнатиладиган, усти берк ҳашамдор замбар. *Бизлар Шоҳрух жанобларини суяб, хачирдан туширдик ва авайлаб, тахтиравонга солдик. Тўрт мулозим ул тахтиравонни елкалаб, лашкаргоҳдаги бир чодирга элтиб, ўша ерга жанобларини ётқиздилар.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

2 *кўчма* Равон, текис (йўл ҳақида). *Фабриканинг йўлини тахтиравон десанг-чи, Фабриканинг қизини қандак ўрик десанг-чи.* «Фольклор».

ТАХТЛАМОҚ Тайёр, шай ҳолга келтирмоқ, тайёрлаб, тахт, шай қилиб қўймоқ. *Сафар анжомлари тахтлаб қўйилди.* ▬ *Радиатор дейсизми, аккумулятор дейсизми, борингки, керосин воронкасини ҳам тахтлаб олганмиз.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТАХТЛИ: **таг-туги тахтли** *айн.* **таг-тахтли.** *Жуда бой бўлмаса ҳам, таг-туги тахтли бир одамга қуда бўла олишар эди.* С. Зуннунова, Олов.

ТАХУРАР *этн.* Ўғил тўйига атаб тикилган кўрпа-тўшакларни тахмондаги сандиқ устига кўз-кўз қилиб йиғишга – тах уришга бағишланган, фақат хотин-қизлар иштирокида ўтказиладиган кичик тўй маросими.

ТАЧАНКА [*р.* < *пол.* najtyczanka – арава тури] Икки от қўшиладиган тўрт ғилдиракли усти очиқ енгил арава. *Шошмай турларинг. Ҳали замон тачанка ҳам келиб қолади.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ТАЧКА [*қад. р.* тачати – ғилдиратмоқ, ғилдиратиб бормоқ] Юк ташиш учун ишлатиладиган якка ғилдиракли қўл арава; замбилғалтак. *Яқиндагина Мамажон ҳам тачка ғилдиратар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАШ 1 Ташқи томон, сирт. *Уйнинг ташини оқламоқ. Мол оласи – ташида, одам оласи – ичида.* Мақол. ▬ *-Ичимда «тилинг бошингни есин!» десам ҳам, ташимда ҳурмат билан кутар эдим, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ташқари, чет. *Душманнинг ташида бўлгунча, ичида бўл.* Мақол. *Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан, Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг ташидан.* Мақол.

ТАШАББУС [*а.* تشبث – тиришқоқлик; барқарорлик, қатъийлик; ғайрат, ташаббус] **1** Бирор ишга бошловчи, даъват этувчи саъй-ҳаракат, ғайрат. *Илғорлар ташаббуси билан бошланган мусобақа. Ташаббус кўрсатиб ишламоқ.* ▬ *Одамларда ғайрат ва ташаббус яшнаб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Майин жунли зотли қўйлар урчитиш иши ўз ташаббусимиз билан қилинди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Уддабуронлик билан мустақил иш олиб бориш хислати, бирор ишда бошчилик, етакчилик роли. *Ташаббусни қўлга олмоқ. Ташаббусни қўлдан бериб қўймоқ.* ▬ [*Элмурод*] *Бу муваффақиятни тўла ва бутунлай қўлга киритиш учун, бу ишда кўпроқ ташаббус кўрсатаётган Гулсумга доимий таъсир қилиб туриш лозимлигини ҳеч бир унутмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўнглининг бир четида «Ташаббусни қўлдан бермаслик керак!..» деган эътиқоди чинқиради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТАШАББУСКОР Бирор ишни, ташаббусни бошлаб берувчи; бошловчи; ташаббус эгаси. *Уста Ҳазратқул янги посёлканинг ташаббускори ва раҳбари Ойқиз келаётганини кўрди-ю, тезгина юриб, қаршисига чиқди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАШАББУСКОРЛИК Ташаббус иши, ташаббус кўрсатиш; бирор ишда бошловчи бўлишлик. *Ижодий ташаббускорлик.* ▬ *Ўзига хос билим ва тажриба, ўзига ишонч ва ирода; ташаббускорлик.. ҳар қандай мушкулотнинг калитидир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАШАББУСЧИ *айн.* **ташаббускор.** *Буйруқ бор.. Олий бош қўмондонлик жангчиларни ташаббусчи бўлишга чақирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАШАККУЛ [*а.* تشكّل – шаклланиш, муайян шакл, кўринишга эга бўлиш] Муайян бир шаклга эга бўлиш, ташкил топиш, шаклланиш. *Фузулий устида олиб борилган текширишлар Фузулий адабий мактабининг ташаккулида Навоий ижодининг муҳим роль ўйнаганлигини янада яхшироқ очиб беради.* «ЎТА».

ТАШАККУР [*а.* تشكّر – миннатдорчилик билдириш, раҳмат айтиш] **1** Яхши иш, хизматни тақдирлаб билдирилган миннатдорлик. *Ташаккур билдирмоқ (айтмоқ, этмоқ).* ▬ *Ҳалол меҳнати, беминнат хизматлари туфайли кўп сонли шогирдлар ташаккурига, одамлар ҳурматига сазовор бўлган.. устозлар оз дейсизми.* Газетадан. *Мусофир ҳаяжонланиб, Меъморга қай йўл билан ташаккур айтишни билмасди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *унд. с. взф.* Миннатдорчилик ифодалайди. *-Ташаккур, ташаккур! – кошинпаз ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Рашид ташаккур дегандек, қўлини кўксига қўйиб, бош эгди.* «Шарқ юлдузи».

ТАШАККУРНОМА [ташаккур + нома] Ёзма ташаккур. *Тажрибали жангчи Ҳайдарали Деҳқоновнинг хизмат дафтарчасига ўттиз иккита ташаккурнома ёзилган.* Газетадан. *Бу қонли жангда менинг қисмимдаги йигитлар ботирлик кўрсатиб, қўмондонликдан ташаккурнома олдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАШАККУРОТ *кам қўлл.* Ташаккур; ташаккурлар. *Зоти олийлариги жаридамиз чуқур ташаккуротини билдиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАШАШМОҚ *с. т.* Уришмоқ, солишишмоқ. *Бўйин патларини гардиш қилиб, патирпутур ташашаётган икки хўрознинг атрофини.. доира шаклида ўраб олган эдилар.* «Муштум».

ТАШАҲҲУД [*а.* تشهّد – калимаи шаҳодатни айтиш] *дин.* Калимаи шаҳодатни, яъни «Ло илоҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадун расулуллоҳ» («Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир») иборасини тил билан айтиш, дил билан тасдиқ этиш; Ислом динидаги беш асосий рукннинг биринчиси.

ТАШБИҲ [*а.* تشبيه – ўхшатиш; таққослаш; ўхшашлик; мажоз] *ад.* Ўхшатиш; мажоз. *Бундай ўринларда ташбиҳ айни чоқда муболаға, ифрот моҳиятига эга.* «ЎТА». *Унинг сўзларида қишлоқ камбағаллари тушунмайдиган истилоҳ, таъбир, ташбиҳ ва жумла йўқ.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ташбиҳ ахтармангиз ушбу ғазалдан, Нақд жойда насия не керак асли.* А. Орипов, Онажон.

ТАШВИШ [*а.* تشويش – тинчсизлик, тартибсизлик, бузғунчилик; касаллик] **1** Кўзланган иш, мақсад ва ш.к. йўлидаги ўйфикр, хатти-ҳаракат; безовталик, тараддуд. *Рўзғор ташвиши. Тирикчилик ташвишлари. Тўй ташвишлари.* ▬ *Ҳар бир куннинг ўзига хос иши ва ташвиши бордир.* Ш. Рашидов. Бўрондан кучли. *Адолат кечаси билан чанқоқ ғўзалар ташвишида ухлолмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мана энди Ўскинбойда янги ташвиш: адирлардан ер очмоқчи.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Хўрозларнинг сўнгги қичқириғидан уйғонаётган.. қишлоғимизнинг кунлик ёқимли ташвишлари бошланаётган эди.* «Саодат».

2 Бахтсизлик, жудолик ва ш.к. туфайли юз берадиган ҳис-туйғу; ғам, қайғу. *Ташвиш тортмоқ (чекмоқ). Бошига (кўнглига) ташвиш тушди. Ўйламай қилинган иш бошга келтирар ташвиш.* Мақол. ▬ *Ташвиш қиз боланинг ҳуснини оларкан, шўхлигини ҳам, овозидаги латофатини ҳам қуваркан.* С. Аҳмад, Уфқ. *Сизга бир маслаҳатим: кўп куюнчак бўлаверманг, юрак касаллиги аксарият икир-чикир ташвишлардан келиб чиқади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

3 Нотинчлик, азоб-қийноқ берадиган нарса-ҳодиса ва шу туфайли юзага келадиган ҳолат; кулфат, савдо. *Ёш олимнинг мусофирчиликда бошидан кечирган кулфатлари бу ташвишлар олдида ҳеч гап эмасди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар. *Шундоқ илму амал билан кунлари ўтиб турган Меъмор бошига тушган улкан кулфат – ўғлининг ҳибс этилиши ҳаммасини бир томонга улоқтириб ташлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Ташвиш қилмоқ *айн.* **ташвишланмоқ.** *Унчалик ташвиш қиладиган гап йўқ. Уч вагон молимизни брак қилишибди.* «Муштум». **Ташвишга солмоқ** (*ёки* **қўймоқ, туширмоқ**) 1) тинчини бузмоқ, безовта қилмоқ, уринтириб қўймоқ. -*Ташвишга солдикми? – деди бика, қоракўл попоғини бошидан олиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Март ойигача мўътадил бўлиб турган ҳаво бирданига айниди. Табиатнинг бу нотантилиги пахтакорларни ташвишга солиб қўйди.* Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва; 2) қайғуртирмоқ, ғам-қайғуга, хавотирликка солмоқ. *Қобил карвоннинг қамоққа олиниши Абдураҳмонбой хонадонини қаттиқ ташвишга солиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Ташвишга тушмоқ** 1) тинчи, ороми бузилиб безовта бўлмоқ, уринмоқ. *Куз ҳавоси паст келди: колхозчилар ташвишга тушиб қолишди;* 2) ғам чекмоқ, хавотирликка тушмоқ. *[Ҳасанали] Бу ўртада қандай ташвишларга тушмади, сўрасангиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ташвишини қилмоқ** Бирор нарса тараддудида, ҳаракатида бўлмоқ, ўйламоқ. *Тўй ташвишини қилмоқ. Рўзғор ташвишини қилмоқ.*

ТАШВИШЛАНМОҚ 1 Ўйламоқ, безовта бўлмоқ; уринмоқ. *Биз учун ташвишланманг, шошиб турибмиз.* ▬ *Энди бу менинг қишлоғим, унинг кўрки, ободлиги учун бошқалар қаторида мен ҳам ташвишланишим керак.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Ғам-ташвиш чекмоқ, қайғурмоқ; хавотирликка тушмоқ, хавотир бўлмоқ. -*Нима бўлди: катта бувинг оғридими ё бувинг бе-*

тобми? – ташвишланиб сўради Ғуломжон. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *«Ёпирай, нима бўлди болаларимга?» – деб ота ташвишлана бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТАШВИШЛИ 1 Ғам-ташвишга эга; ғамли, ғамнок. *Ташвишли хабар. Ташвишли чеҳра. Ташвишли дамлар.* ▬ *Ўчоқдаги ўт Ғуломжоннинг ташвишли юрагига умид бўлиб кўчди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бошлиқнинг авзойи ҳақиқатан ҳам ташвишли эди.* Н. Аминов, Суварак.

2 Кишини ташвишга соладиган, ташвиш келтирадиган. *Яхши кунларни ҳалоллик билан ўтказ, лекин ташвишли кунлар келишини ҳам ўйла..* Газетадан. *Қишлоққа жанг майдонларидаги йигитлардан ташвишли хабарлар келиб турибди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ТАШВИШМАНД [*а.* + *ф.* تشویشمند – ташвишли, ташвиш тортувчи] Бошига бирор ташвиш тушган, ташвиш тортаётган. *Қутбиддинов суҳбатнинг бошланишида жиндай ташвишманд бўлганиданми, бу сафар мавзу шаҳарнинг келажаги.. эмас, бола тарбияси бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Ўжар.

ТАШВИШНОК [*а.* + *ф.* تشویشناک – ташвишли] *кт. айн.* **ташвишли.** *Муқимий ташвишнок бир вазиятда ҳужрасига кириб, Ғарибий билан сўзлашиб ўтирган бир йигитни учратди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ТАШВИШСИЗ Ташвиши йўқ, ташвишдан холи; беташвиш, хотиржам. *Ташвишсиз киши. Ташвишсиз ҳаёт. Ташвишсиз яшамоқ.*

ТАШВИҚ [*а.* تشویق – қизиқиш, хоҳишни кучайтириш; қизиқарлилик] *кт.* Бирор нарсага йўллаш, йўналтириш, чақириш мақсадидаги гап-сўз, хатти-ҳаракат ва ш.к. *Маълумки, Фурқат ижодий меросида баҳор васфи ва она табиат манзараларини куйлаш, ундан завқланишга ташвиқ мавзуи етакчи ўрин тутади.* «ЎТА».

Ташвиқ қилмоқ (*ёки* **этмоқ, юргизмоқ**) 1) ташвиқ ишини олиб бормоқ. *Аҳмад Ҳусайн бу таълимотни ташвиқ қилувчилар билан ҳеч вақт муносабатда бўлмаган.* Ойбек, Нур қидириб; 2) ундамоқ, даъват қилмоқ. *Ўз вазифангизни бажариб чиқиб кетавермасдан.. озодаликка ташвиқ қилинг, уялтиринг. Шунда иш чиқади.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Тожибой*] *Ҳамсуҳбатига бошига тушган ташвишни баён қилди ва ўзига хос усулда тарафдорликка ташвиқ қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Женотдел [хотин-қизлар бўлими] ходимлари, тарғиботчилар.. хотин-қизларга паранжи ташлашни ташвиқ этардилар.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТАШВИҚОТ [*а.* تشویقات – «ташвиқ» с. кўпл.] Оммага сиёсий ёки бошқа жиҳатдан таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар, тадбирлар. *Ташвиқот юргизмоқ.* ▬ *Ҳай, хотин киши эkansiz, эркак киши бўлганингизда, бу тескари ташвиқотингиз учун соғ қўймас эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Маълумки, уруш вақтида ташвиқот ишлари ғалабани таъминлашда муҳим омиллардан саналади.* «Фан ва турмуш».

2 *с.т.* Ундов, даъват. *Сут билан кирган, жон билан чиқар деганларидек, Ўзбек ойимнинг ўша вақтлардаги ташвиқотлари ҳам, унинг [Зайнабнинг] тарафидан фақат «келинлик» мажбурияти остида қабул қилинди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу кечаю кундузда ташвиқот сизга жуда ҳам зарур. Қулоқ солинг, фойдаси тегади!* Уйғун, Навбаҳор.

ТАШВИҚОТЧИ Ташвиқот билан шуғулланувчи, ташвиқот олиб борувчи шахс. *Ҳар бир онгли ишчи бизнинг улуғ ҳақиқатимизнинг ташвиқотчиси бўлиши керак.* Ойбек, Нур қидириб. *Рафиқов, биз юқорида баҳо берганимизча, унчалик уста ташвиқотчи.. эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАШВИҚОТЧИЛИК Ташвиқот (ташвиқотчи) иши. *Ташвиқотчилик қилмоқ.* ▬ *Унинг ташвиқотчилигига лозим бўлган ижодни ёки илҳомни шу манба.. ҳадя қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАШДИД [*а.* تشدید – кучайтириш, мустаҳкамлаш; тазйиқ; ундошни икки қайталаб (иккилантириб) айтишни билдирадиган белги] Араб ёзувида сўз таркибидаги бирор ундошнинг такрорийлигини, қўш талаффуз қилинишини билдириш учун ундош устига қўйиладиган диакритик белги.

ТАШИМОҚ 1 Нарсаларни бир ердан иккинчи ерга кўтариб ёки транспорт воситаларига ортиб кўчирмоқ, элтмоқ. *Челакда сув ташимоқ. Машинада ғишт ташимоқ. Нон емоқчи бўлсанг, ўтин ташишдан эринма!* Мақол. ▬ *Тўйбека ичкари билан ташқарига югуриб, дастурхон янгилар, чой ташир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Теварак атрофда кетмон ураётган, замбиллаб, қоп-*

лаб тупроқ ташиётган қанчадан-қанча одамлар ҳам, худди Рўзиматдай, жадаллаб ишлар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ўзлаштириш, ўзиники қилиш мақсадида олиб кетмоқ. *Нима кўрса, уйига ташийди. Ташиб кетмоқ.* ▬ *Томлари бузилиб, ёғочлари ҳам ташиб кетилган.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

3 *кўчма* Ўзи билан олиб, сақлаб юрмоқ. *Ватанга севгини ўлгунча юрагида ташидими, бу севгини кўксида сақлаб ухласин!* Ойбек, Қуёш қораймас. *..мақоллар катта бир мазмунни ташиб, ёзувчи ниятини аниқ, қисқа ва таъсирли усулда ифодалашни таъмин этади.* «ЎТА».

ТАШКИЛ [*а.* تشكيل – тузилиш, шаклланиш; таркибий қисм; муассаса; таркиб]: **ташкил бўлмоқ** (*ёки* **топмоқ**) 1) тузилмоқ, юзага келмоқ. *Университетимиз 1918 йилда ташкил бўлган.* ▬ *Янги ерлар очилиб, бутун бошли янги хўжаликлар ташкил топди.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) таркибий қисмлардан бутунлик ҳосил қилмоқ, иборат бўлмоқ. *Сув водород ва кислороддан ташкил топган.* ▬ *Ўрмонжон.. ерислоҳотидан кейинроқ собиқ батраклардан ташкил топган колхозга раис бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ташкил қилмоқ** (*ёки* **этмоқ 1**) уюштирмоқ, тузмоқ, яратмоқ. *Тўгарак ташкил қилмоқ. Гулзорлар ташкил қилмоқ.* ▬ *Ҳатто бир куни қисмдаги ҳаваскор санъатчилар ташаббуси билан «катта ертўла»да концерт ташкил қилинди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) таркибий қисмга кириб, бутунлик юзага келтирмоқ. *Қатнашчилар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Тилимизда ишлатиладиган барча сўзлар унинг луғат бойлигини ташкил қилади.* ▬ *Нариги томон ўрданинг ичкари қисмини ташкил этиб, унда бек – ҳоким оиласи турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАШКИЛИЙ Ташкил этишга, уюштиришга, ташкилотчиликка оид; тузиш, тузилиш билан боғлиқ бўлган. *Ташкилий ишлар. Ташкилий чоралар. Ташкилий масалалар.* ▬ *Жадал суръатлар кетидан қувиб бажарилаётган ишлар ҳажмининг салмоғи билан овуниб, бошқа ташкилий жиҳатларни эътибордан четда қолдиришди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТАШКИЛОТ [*а.* تشكيلات – «ташкил» с. кўпл.] Аниқ таркиб ва вазифасига, иш дастурига эга бўлган ижтимоий, хўжалик бирлашмаси ёки давлат муассасаси. *Ижтимоий ташкилот. Маҳаллий ташкилотлар.* ▬ *Барака топгур ер тузувчи ташкилотлар турли-туман техникаларини ишга солиб, майдонни кафтдек текислашибди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Қишлоқдаги маъмурий, маданий ва савдо ташкилотларининг идоралари, асосан, мана шу кўчага жойлашган.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАШКИЛОТЧИ Бирор ташкилотни тузган ёки тузувчи; бирор иш-ҳаракатни бошлаб берган, ташкил этган, уюштирган ёки уюштирувчи ва унга бошчилик қилувчи шахс ёки ижтимоий гуруҳ. *Моҳир ташкилотчи. Мусобақа ташкилотчилари.* ▬ *Бугун Каттақишлоқнинг икки пешқадам кишиси – икки донгдор тшкилотчининг бирлашиш маросимида ўтирибмиз.* И. Раҳим, Ихлос. *Ҳ. Олимжон фақат яхши шоиргина эмас, энг яхши ташкилотчи ҳам эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАШКИЛОТЧИЛИК 1 Ташкил этиш хислати. *Ўз ташкилотчилигини намойиш қилмоқ.*

2 Ташкилотчи иши, фаолияти. *Халқ биздан бу ишда раҳбарлик, ташкилотчилик талаб қилаётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАШЛАМА 1 Ташлаб, чиқариб юбориладиган (асосан сув ҳақида). *Олабуқа сув омборининг ташлама суви катта селхонага тушиб, бекор оқиб ётади.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари. *Бозор Қудратов бригадаси чўл ичкарисида, ташлама каналлар тармоғи барпо этилаётган жойда меҳнат қилаётган эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Партов сув чиқариб юбориладиган махсус ўзан. *Сел суви ҳайқирган ҳолда чуқур ташламага тушиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАШЛАМОҚ 1 Нарсани қўлдан, елкадан ёки бошқа жойдан узиб, қуйи томон (ирғитиб, отиб ва ҳоказо) туширмоқ, йўналтирмоқ. *Олма узиб, ерга ташламоқ.* ▬ *Ғуломжон супургини ташлаб, қўлларини қоқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кейин носини ташлашга жой излаб аланглади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Нарсани бирон бошқа нарса, жой устига, остига ёки ичига йўналтирмоқ, олмоқ, солмоқ, қўймоқ. *Қизлар ичкаридан Ҳакиманинг бошига оқ шол рўмол ташлаб, етак-*

лаб чиқдилар. С. Сиёев, Ёруғлик. *Адёлни майсалар устига ташлаб ўтиришди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мунисхон суянчиққа бошини ташлаб, деразага тикилиб борарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *..чопонини елкасига ташлади-да, йўлга тушди.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 Куч, зарб билан интилмоқ, ўзини отмоқ. *Зуҳра.. Саодатхонга ўзини ташлаб, маҳкам қучоқлаб олди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Чўмилмоқ-чун бирдай бўлиб, энди ҳовузга ташлади.* «Муродхон».

4 Бирор иш, вазифа ва ш.к. га йўналтирмоқ, йўлламоқ; сафарбар қилмоқ. *Ҳаммани йиғим-теримга ташламоқ.* ▬ *Душман бор кучини жон ҳолатда қарши ҳужумга ташлади.* Газетадан. *Душман барча мавжуд танкларини ва ўзиюрар тўпларини ҳужумга ташлади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 Эътиборсиз, алоқани узиб ва б. ҳолда қолдирмоқ. *Дўст сўзини ташлама, Ташлаб, бошингни қашлама.* Мақол. ▬ *Унинг талабаларидан бир қанчаси мактабни ташлаб, бу ерга қочиб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ғаввос Муҳаммаднинг устодни ташлаб кетиб қолгани армон бўлиб турганида, эшикдан учинчи шогирди — Зулфиқор Шоший кириб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Барҳам бермоқ, йўқ қилмоқ; йиғиштирмоқ (баъзи одат, хатти-ҳаракат кабилар ҳақида). [*Дадам*] *Ароқни ташлаган бўлсалар-а! Роса маза бўларди-да.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ўқитувчи ёки тиббиёт ходими бўлмоқчимисан — чекишни ташла, одамларга икки қиёфада кўринма.* Газетадан. *Хўш, кинани ташлаган бўлсангиз.. нега боя уларнинг олдида оғзингизга келганини ўтладингиз?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

7 Пасаймоқ, тушмоқ. *Совуқ бир оз ташлади. Нархлар анча ташлади.*

8 *с.т.* Рақсга тушмоқ; ўйнамоқ. *Тановарга роса ташлади.*

9 *кўм. фл. взф.* **=(и)б** қўшимчали равишдош шаклига қўшилиб, ҳаракатнинг кескин, кучли тарзда юз беришини билдиради. *Бузиб ташлади. Жеркиб ташлади. Ғижимлаб ташламоқ. Ағдариб ташлади.* ▬ *Шу ернинг ўзида подшоҳ кишилари уни тутиб олиб, тилка-пора қилиб ташлаган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Гап ташламоқ *қ.* **гап**. *Шунча қизлар билан ўқиб, бирга дарс тайёрлаб, бирортасига гап ташламабман.* М. Қориев, Ойдин кечалар. **Илон пўст ташлайди** *қ.* **илон.** *..қилаётган қилиғига илонлар пўст ташлайди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Кўз ташламоқ** *қ.* **кўз 2**. *Бобур тўпланиб турган бекларга кўз ташлаган эди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Кўланка** (*ёки* **кўлка) ташламоқ** *айн.* **соя ташламоқ.** *Тарқалиб кетган кенг шохлар ерларга ола кўланка ташлаган.* Уйғун, Сайланма. *Ташладими ёки бир умр кўзимга ғам кўлкаларини.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. **Луқма ташламоқ** *қ.* **луқма.** *Жиззакилик қилиб, ўтирган ерида нотиққа бир-икки марта луқма ташлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Назар ташламоқ** *айн.* **кўз ташламоқ.** *Раҳим акага.. камситгандек назар ташлади..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Орқага ташламоқ** 1) орқага олмоқ. *Қўрқиб, ўзини орқага ташлади*; 2) орқага (кейинга) сурмоқ, қолдирмоқ. *Бугун бориб кела қол, орқага ташлама.* **Соя ташламоқ** 1) соя бермоқ. *Баҳайбат сада атрофга соя ташлаб турибди*; 2) ўз аксини (ифодасини) бермоқ. *Раисанинг қошлари чимирилиб, ҳалигина кулиб турган юзига ғам соя ташлади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон; 3) *кўчма* хиралаштирмоқ; таъсирини сусайтирмоқ. *Романнинг бадиийлигига соя ташлаб турган воқеалар баъзи ўринларда ортиқча чўзилиб кетади.* С. Кароматов, Олтин қум. **Тоб ташламоқ** *қ.* **тоб.** *-Тоб ташламаслик керак оғир шароитларда, — деди Шоимов бамайлихотир.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Томдан (ўзини) ташлайди** *қ.* **том.** *Мўмай пул кўрса, томдан ўзини ташлайди.* «Муштум». **Уруғ ташламоқ** Сепмоқ, экмоқ. *Деҳқон яхши ният билан заминга барака уруғини ташламоқда.* Газетадан. **Хандон ташламоқ** (*ёки* **отмоқ**) *қ.* **хандон**. *Ортиқ ўзининг ҳазилидан ўзи хандон ташлаб кулди.* М. Мансуров, Ёмби. **Шох ташламоқ** *қ.* **шох.** *Шаҳзодахон бир нозик шох ташлаб, сочларини тартибга солди-ю.. тахмонга борди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТАШЛАНДИ 1 Ташланадиган, ортиқча, чиқинди. *Ташланди овқат. Ташланди сувлар.*

2 *айн.* **ташландиқ.** *Ташланди боғ.* ▬ *«Девонбеги» маҳалласига қайрилиб, бу ерда бир ташланди ҳовлига киришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАШЛАНДИҚ Қаралмай ташлаб қўйилган; қаровсиз. *Чакалакзордаги ғўза таш-*

ландиқ ҳолга келди. Р. Раҳмонов, Чакалакзордаги шарпа. *Бу каталак уйчалар кишида худди кўҳна қасрнинг ташландиқ ҳужраларидай таассурот қолдиради.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Ахир ойда-йилда бир келиб, ўша ташландиқ болангизнинг бошини бир силаб қўйсангиз, қалбингиз таскин топмасмиди?* «Ёшлик».

ТАШЛАНМОҚ 1 Ташламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ерга ўғит ташланди.*

2 Ўзини отмоқ. *Ит ғингшиб чекинди, қайта йигитга ташланди.* С. Сиёев, Аваз. *Онасининг азасига бормай, бепарво ётган отасига ғазаб билан ташланмоқчи бўлиб турган Саодат бирдан ёшларини артиб, каравотга яқинлашди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ТАШЛАШМОҚ 1 Ташламоқ фл. бирг. н. *Болалар бир унга, бир тузоқ томонга кўз ташлашарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *с.т.* Уришмоқ, олишмоқ.

ТАШМАЛАМОҚ Ташиб-ташиб олиб келмоқ ёки олиб кетмоқ; ташимоқ (ўз уйига, томонига). *Ҳамма шошилади, ўз уясига алланималарни ташмалайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Афандининг хотини ташмачи экан. Ҳар куни ташмалаб келган буюмларини қўшниларига пулларкан.* «Муштум».

ТАШМАЧИ Бирор ердан нарса-буюмни, бойликни ташмалаб, ўғирлаб олиб келувчи, олиб кетувчи; ўғри. *Нон комбинатида сифатли нонлар чиқиб, ташмачилар йўқолди.* Газетадан. *Ташмачи ҳам нафсига кучи етмаган, виждони нопок нусхалар жумласига киради.* Газетадан.

ТАШНА [*ф.* تشنه – чанқоқ, сувсаган] **1** Сувга зор; сувсаган, чанқаган, сувсоқ, чанқоқ. *Одамлар ташна, ер чанқоқ, юрт қақроқ эди. Ҳамма сув деб талпинар, ҳамма сувга интилар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эй сен, боши ва охири йўқ чўлда сувсираб, жон бераётган ташна йўловчи!* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Канал қазиб, оқизиб сувни ташна саҳрога..* Ҳабибий.

2 *кўчма* Бирор нарсага зор, кучли талаби бор. *Кимки илмга ташна бўлса, унинг қалбида яхшилик гули бор.* Газетадан. *Аҳмаднинг юраги меҳрга ва саховатга тўла, ўзи эса суҳбатга ташна эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Қонига ташна бўлмоқ Ортиқ азобланмоқ, хуноб бўлмоқ. [*Акбар:*] *Ҳа, хўроз, бунча хўмраясан?* [*Салим:*] *Қонингга ташна бўлиб юрибсанми дейман?* Уйғун, Ҳуррият. **Қонига ташна қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Ортиқ даражада диққат қилмоқ, хуноб қилмоқ. *Ҳунарим, маълумингиз – ғазаллар ёзиш; Баъзан бир ҳижо қилур қонимга ташна.* Ғ. Ғулом. *Шуям ҳукмини ўтказади-я! ..қонингга ташна қилиб юборади!* С. Нуров, Нарвон.

ТАШНАЛАБ [ташна + лаб] *кам қўлл.* Ташна. *Ташналаб саҳроларнинг ҳаёт томирига қон югуртиб, дур ундирган бунёдкор инсон..* С. Кароматов, Олтин ирмоқлар.

ТАШНАЛИК 1 Ташна эканлик, сувсаганлик. *Азиз ва бепоён Мирзачўлнинг сувга ташналигини ўйлар экан, Муҳиддин Каримов порлоқ истиқболга назар ташлайди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Ташна ҳолат (**ташна** ҳар икки маъносида). *Тўтиқиз чўллаб, ичи ташналик ўтида ёнарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ташналиклари қонгач, даранинг ичкариси томон йўлда давом этишди.* К. Яшин, Ҳамза. *У ташналик билан Олчинбекка талпинар, оловли кўзлари унга қараб жавдирар, дил розини ифодаламоқчи бўларди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТАШРИФ [*а.* تشريف – ҳурмат, эҳтиром; улуғлаш, шарафлаш; маросим; марҳамат қилиб келиш] *кт.* Бирор ерга, элга, хонадонга ёки бирор кимса ҳузурига қисқа муддатга бориш, келиш. *Ташрифингиздан кўп хурсандмиз.* ▬ *Зиё шоҳичи бу вақтсиз ташрифга тушуна олмай, «нима қилиб юрибсан» дегандек, бир неча қайта Ҳасаналига қараб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўзбекистон Республикаси Президенти уч кунлик ташриф билан Италияга келди.* Газетадан.

Ташриф буюрмоқ (*ёки* **этмоқ, қилмоқ**) Келмоқ ёки бормоқ; қадам ранжида қилмоқ. [*Мулозим:*] *Улуғ амир Низомиддин Алишер ташриф буюрдилар.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бизнинг кулбаи вайронамизга ташриф этсангиз.. Иним бетоб..* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *..бизнинг оиламизга ташриф қилганингиз учун қадамларингизга ҳасанот..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ТАШРИҲ [*а.* تشريح – очиш, кесиш, ёриш] *эск. кт. айн.* **операция 1.** *Ёш ҳаким унинг сон гўштини икки паллага ажратиб, ўқни олди, сўнгра малҳам қўйиб ёпиштирдида, тикиб, боғлаб қўйди. Ташриҳ вақтида тишини тишига босиб ётган йигитдан садо чиқмади.* М. Осим, Китобга ихлос.

ТАШХИС [*а.* تشخيص – белгиланиш; кўрсатилиш, кўриниш; касалликни аниқлаш, диагноз] **1** *тиб.* Касаллик характери ва беморнинг аҳволи ҳақидаги қисқача тиббий хулоса, касаллик номи. *Шифокорлар, «Сизда пичан астмаси бор», деб ташхис қўйишди ва «Аллергологик шифохонада даволанинг», деб айтишди.* Газетадан. *..баъзан касалхоналарга «офтоб урган» деган ташхис билан беморлар келтириляпти.* Газетадан.

2 *ад.* Одамдан бошқа жонли ва жонсиз нарсаларга инсоний хусусиятларни кўчиришдан иборат бадиий санъат тури.

ТАШҚАРИ 1 *от* Бино, уй, ҳовли ва ш.к. нинг атрофидаги жой; таш. *Ташқарига қаранг, қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Дарвоза очилди, ташқаридан саман отини етаклаб, Ҳасанали кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ташқарида севалаб ўтган майин ёмғир ҳам тинди.* Н. Аминов, Суварак.

2 *от, этн.* Ташқи ҳовли (ҳовли-жойнинг эркак меҳмонлар ва умуман эркаклар учун хос, кўча дарвозага яқин томондаги холи қисми); *қиёс.* **ичкари 2.** *Бойнинг ташқарисида Йўлчидан бошқа ҳеч ким йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кенг ташқари ғарбга чўзилган бўлиб, дарвозадан кирган кишига у кафтдай кўриниб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о *..ташқари ҳовлидаги нақшили.. меҳмонхонанинг бирида қат-қат кўрпачаларда.. Мирзакаримбой ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *сфт.* Ташқи томондаги, ташқи, сиртқи. *Ташқари дарвоза.*

4 *(ч. к. билан) кўм. взф.* Бошқа, бўлак. *Бундан ташқари. Ундан ташқари.* ■ *Бу йил ҳосил миқдоридан ташқари, тола сифатига ҳам алоҳида эътибор берилади.* Газетадан. *Аъзам кўриниб турган ҳусни, барвасталигидан ташқари, ўз ички фазилатларини ҳам очиб ташлади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Унинг гапидан Башорат ишчиларнинг ишдан ташқари вақтда ҳам ишлашга аҳд қилишганини англади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Ҳаддан ташқари Меъёридан ортиқ, кўп, ортиқ даражада. *Тонг маҳалида душман артиллерияси бизнинг позицияларимизни ҳаддан ташқари қаттиқ тўпга тутди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ҳаддан ташқари ҳорганлигига қарамай, ҳар бир жангчининг исми, фамилиясини хотирлар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАШҚИ 1 Ташқарида, ташқари томонда жойлашган; ташқариги, сиртқи. *Ташқи девор.* ■ *Бу вақт аллаким дарвозанинг ташқи ҳалқасига.. уч-тўрт уриб шарақлатди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *айн.* **ташқари 2**. *Биз Яйпанда Олим бува деган нонвойнинг ташқисида турар эдик.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар. *У Қудратни кенг саҳнли ташқини супуриб-сидиришга қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ўзидан ташқарига, сиртга оид. *Тирик ҳужайра ташқи муҳит билан мунтазам алоқада бўлган тақдирдагина яшай олади.* «Фан ва турмуш». *Қуёнлар, ўзининг биологик хусусиятларига кўра, ташқи шароит омилларига ўта таъсирчан бўлади.* «Фан ва турмуш». *«Бесабаб тикан кирмас» деганларидек, ҳар бир ишнинг бошланишига бирор ташқи ёки ички сабаб бўлади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

4 Чет давлатлар билан бўладиган, хорижий. *Ташқи сиёсат. Ташқи савдо. Ташқи ишлар вазирлиги.*

5 Нарсанинг ичга қарама-қарши томони. *Журналнинг ташқи ва ички безалиши изчил такомиллаштириб борилмоғи керак.* Газетадан. *Массаж қилаётган ўнг қўлининг ташқи томони билан пешонасига тушган сочини юқорига сурди.* С. Кароматов, Олтин қум.

6 Кўринишда бўлган; зоҳирий. *Шу биргина сўз унинг бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида акс эттирган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Султонали мирзо Анварнинг ташқи аҳволи билан яхши таниш бўлса ҳам, унинг ички сиридан воқиф эмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАЪБ [*а.* طبع – табиат; табиий ҳолат; хулқ-атвор, характер] **1** Кишининг характерида, унинг кишиларга, нарсаларга муносабатида намоён бўладиган ички табиат; ёқтириш-ёқтирмаслик жиҳатдан кўнгли. *Подшоҳнинг муборак таъблари ҳашаматга мойил кўринади.* Ойбек, Навоий. *Лутфдан мароқланиш, лаззат олишда индивиднинг характери, таъби, фаҳм-фаросати катта аҳамиятга эга.* «ЎТА». *Бу жаҳонда, дейдилар, Ҳар кимда бор бир ўзга таъб, Менга май, булбулга тонг, Гул баргида шабнам ширин.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Таъби олинмоқ Кайфияти бузилмоқ, хафа бўлмоқ. *Ҳайдар нимадандир Анорхоннинг таъби олинганини сезди.* И. Раҳим, Ихлос. **Таъби очилмоқ** Кайфияти яхшиланмоқ, дили равшанлашмоқ, енгил тортмоқ. *Сидиқжон Ўрмонжоннинг олдидан таъби очилиб чиқиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Таъби тортмоқ** *ёки* **таъбига ёқмоқ** Табиатига, дидига тўғри келмоқ. [*Ёрмат*] *Баъзи бир таъби тортган одамларга: «Тўйга бирга бўлинг!» деб қўяди ўзича.* Ойбек, Танланган асарлар. **Таъби хира** (*ёки* **тирриқ, кир, хуфтон, намозшом**) Кайфияти бузуқ, бузилган; диққат. *Бўта узоқ ухлаб қолганидан таъби хира бўлиб, ҳовлига тушди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Авазнинг таъби тирриқ эди, индамади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Эрталабдан директорнинг таъбини хуфтон қилишнинг нима кераги бор.* «Муштум». *..Шербекнинг қулоғига гап кирмас, таъби намозшом эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Хоҳиш, ихтиёр; рағбат. *Бировларнинг таъбига қараб иш қилмоқ.* ▬ *Нурининг ҳеч қандай сўзга, ишга таъби йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Алай-балай десам, тутиб олиб уриш ҳам таъбида бор.* Ҳ. Шамс, Характеристика. *-Мана бу кресло ҳам сизга ҳавола. Олинг, менга бир оддийроқ стул берсангиз бўлади, — деди Моҳидил. -Таъбингиз, — деди секретарь қиз.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТАЪБИР [*а.* تعبير — йўйиш, тушунтириш, маъносини ечиш; ибора] **1** Бирор жиҳатдан таърифловчи ёки тугал маъно англатувчи қисқа ифода, ибора. *Деҳқонларнинг таъбирича, экин кун санайди.* ▬ *Унинг сўзларида қишлоқ камбағаллари тушунмайдиган истилоҳ, таъбир.. жумла йўқ.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Фозил Шоисломович.. айримларнинг таъбири билан айтганда, «бир қоп ёнғоқ» эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

Таъбир жоиз бўлса Агар шундай дейиш мумкин ёки ўринли бўлса. *Шоввозларимиз, таъбир жоиз бўлса, чўлга дастлаб ҳужум бошлаган танкчиларимиз шулар.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. *Таъбир жоиз бўлса, томир уришини сезиб туриш керак.* Газетадан.

2 Маъносини тушунтириш; изоҳ, шарҳ. *Тушнинг таъбирини айтиб бермоқ.* ▬ *Камалак кўрибсан, бунинг таъбири: Етти ранг қуёшу қутлуғ пешона.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТАЪБИРЛАМОҚ 1 Таъриф бермоқ, ифодаламоқ. *Қоидани таъбирламоқ.* ▬ *Шунинг учун бирор нарса танқис бўлса, «Анқонинг тухуми», деб таъбирлашади.* «Муштум».

2 Тушунтирмоқ, изоҳламоқ, шарҳламоқ. *Тушни таъбирламоқ.* ▬ *Энага: -Тушингизга тўй кирибди, бу яхшиликдан дарак, — деб унинг* [*Одилбиканинг*] *тушини таъбирлабди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАЪБИРНОМА [таъбир + нома] *эск.* Тушлар таъбиридан, талқинидан иборат китоб; шундай китобларнинг умумий номи.

ТАЪВИЯ [*а.* طويت — яширин, пинҳона ният, қасд] Ёқимсиз кўринишли; беўхшов, хунук, бадбуруш, бадбашара. [*Эъзозхон*] *Гадойнинг товушини эшитиб, таъвия қиёфасини кўриб ҳайрон бўлди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бўйинг бир қарич, бунинг устига абжағинг чиққан чўтир бўлсанг, сен таъвияга ким боқади, тентак!* Ойбек, Улуғ йўл.

ТАЪЗИМ [*а.* تعظيم — табриклаш, саломлашиш; улуғлаш, ҳурматлаш, иззат-икром (қилиш)] **1** Юксак ҳурмат, миннатдорлик, таҳсин. *Саид Аҳмад ҳикояларида.. таъзимга сазовор образлар талайгина.* Ф. Насриддинов, Таъзим ва таъзир. *Худоёр исмини эшитувчи аъёнлар унинг таъзими учун ўринларидан туриб, яна ўтирдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..одоб, таъзим хусусида онаси анчамунча гапларни уқтириб юборгани учун.. дастурхонни тезгина йиғиштириб, чой ича бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шундай ҳурмат ифодаси сифатида эгилиб, бошни қуйи солиш ёки қўлни қовуштириш, кўксига қўйиш. *Таъзим билан қарши олмоқ.* ▬ *Раҳим ака таъзим билан икки-уч қадам орқага тисарилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *У дарвозадан кириб, супага ўн-ўн беш қадам қолганда, қўл қовуштириб, таъзим билан «Ассалому алайкум», деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Таъзим қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Таъзим билдирмоқ, таъзим бажо келтирмоқ (**таъзим** ҳар иккала маъносида). *Атрофда тобора одам кўпайиб борар, биров унга узоқдан таъзим қилар, биров қуюққина кўришар, нотаниш кишилар секин калла силкиб қўярди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..ганчхок [ганч кукуни] қораётган йигит Меъморга илгаригидек салом бериб, таъзим этди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАЪЗИМКОР Таъзимли, сертаъзим. *Таъзимкор одам.* ▬ *Кўл узра таъзимкор қатор*

оқ қайин Оҳиста тебранар алқаган сифат. М. Икром. *Ҳаттоки баланд осмон Эгилажак таъзимкор.* М. Бобоев.

ТАЪЗИР [*а.* تعزير – жазолаш, айблаш, қоралаш; танбеҳ бериш] Ўтган хато ёки гуноҳга лойиқ дакки, дашном, танбеҳ. [*Майсара:*] *Ўғлим, шу таъзир оз эмас. Ҳовли юзига чиқаргандан кейин қасам бериб бўшатурсиз.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

Таъзир бермоқ Айби ёки хатосини айтиб қизартирмоқ, уялтирмоқ, койимоқ, дашном бермоқ. *Менга шунча яхшилик қилдингиз.. Янги келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз.. Бутун звено олдида таъзир бериб, одам бўл, дедингиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Таъзирини бермоқ** Адабини бермоқ, тавбасига таянтирмоқ. *У муттаҳамнинг таъзирини ўша ернинг ўзидаёқ бериб қўйган бўлардим, бунчалик уятга қолмасдим.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. **Таъзирини емоқ** Жазосини тортмоқ, адабини емоқ, тавбасига таянмоқ. *-Келдингми, дайди? – деди-ю, унинг бош эгиб туришидан: «Таъзирингни ебсан, етар», деди ичида.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

ТАЪЗИЯ [*а.* تعزيه – овутиш, юпатиш; ҳамдардлик билдириш] Кимсанинг вафоти муносабати билан тутиладиган аза, мотам; азадор кишига тасалли бериш, ундан аҳвол сўраш. *Таъзия маросими. Таъзияга бормоқ.* ▬ *Ботир акасининг таъзиялари ўтгандан кейин, холасининг бир гапи билан шу ерга келган эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

Таъзия билдирмоқ Марҳумнинг яқин кишиларига, одатда, таъзия кунлари айтиладиган сўзлар билан ҳамдардлик билдирмоқ, тасалли бермоқ. *Мана, комбинатдан кимдир таъзия билдиряпти, кимдир кўнгил сўраяпти, маҳалладан келган биров маросимга бош.* А. Мухтор, Чинор. *Биз лейтенантнинг хотинига хат ёздик.. ҳамдардлигимизни айтиб, таъзия билдирдик.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТАЪЗИЯНОМА [таъзия + нома] Кимсанинг вафоти муносабати билан берилган, эълон қилинган, билдирилган ёзма таъзия. *Отанинг икки ўғли ҳам.. қаттиқ жангларда жон берди: ота бирин-кетин иккита таъзиянома олди.* Й. Шамшаров, Доврук. *Гарчи Йигиталида таъзияномани ўқишга ҳоли бўлмаса-да, кўнгли анча кўтарилди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТАЪЗИЯХОНА [таъзия + хона] Мотам маросими ўтказилаётган хонадон, уй, ҳовли. *Таъзияхонада бир соатча ўтиришгандан сўнг, Зокир ота боққа бирров бориб келадиган юмуши борлигини айтиб, узр сўради.* Э. Носиров, Ҳожининг «ҳунари».

ТАЪЗИЯЧИ 1 Мотам тутган, азадор киши.

2 Марҳумни дафн этиш, мотам маросимида қатнашувчи киши. *-Жанозага йиғилган таъзиячиларни чақириб келдим, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТАЪЙИН [*а.* تعيين – белгилаш, аниқлаш; тайинлаш] *эск.* Тайин, тайинли.

ТАЪКИД [*а.* تأكيد – ишонтириш; сўз бериш; исботлаш, қувватлаш] **1** Алоҳида уқтириш; қаттиқ тайинлаб айтилган сўз, гап. *Ҳабибанинг таъкидини эслаб, гуллар тўғрисида оғиз очмасдим.* С. Айний, Эсдаликлар. «*Ҳушёр бўл!*» *таъкидини эшитган киши сингари ҳушёр тортиб, ичкари кирди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Уқтириш, қайд этиш ёки тасдиқлаш; қайд; тасдиқ. *Таъкид қилмоқ.* ▬ *У* [*Тешабой*] *ўз таъкидида Фосиҳ афандини сафсатабозликда айблади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАЪКИДЛАМОҚ 1 Бошқаларидан ажратиб қайд этмоқ; урғу бериб, махсус эътибор қаратишни қайд этиб айтмоқ. *Кейинги жумлани Жомий зўр имон билан таъкидлаб айтди.* Ойбек, Навоий. *-Ажралишибди! – деди Нурмат, шу сўзни алоҳида таъкидлаб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Уқтириб айтмоқ, тайинламоқ. *Нафиса опа, ночор унга жавоб бериб, ўзига эҳтиёт бўлишини, бувисининг сўзидан асло чиқмаслигини қайта-қайта таъкидлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Элмурод бугунги машқни такрорлаш учун пулемётга ётар экан, генерал шошилмасликни таъкидлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Тасдиқламоқ, қувватламоқ. *-Балли, – Фазлиддин боши билан хотинининг сўзини таъкидлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тошқин хавфидан қутулиш учун дамба қилиш зарурлигини ҳамма бир оғиздан таъкидлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАЪЛИМ [*а.* تعليم – ўргатиш, ўқитиш, илм бериш; маълумот] **1** Билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. *Таълим ва тарбия ажралмас эгизаклар бўлиб, маълумот уларнинг*

тотли мевасидир. Р. Усмонов, Одобнома. *Бизга таълим берар ҳар кун ўқитувчимиз, Турли фанни ўқиб ўсар онг ва кучимиз.* И. Муслим.

2 Илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олинадиган маълумот ва кўникмалар мажмуи; билим. *Бошланғич таълим. Олий таълим. Мадраса таълими.* ▬ *Илк бор алифбодан олганда таълим..* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

3 Тарбия, одоб-ахлоқ. *Таълими йўқ бола.* ▬ *Араббой қанча ўқиса ҳам, унинг қилиқ ва гапириши, юриш-туриши мактабда таълим кўрган кишини эмас, балки чапани аравакашни эслатиб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *с. т.* Кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув. *Арзи хола Қутби отиннинг ҳалигидай таълимидан гангиб қолди.* Р. Азизхўжаев, Тўлғоқ емаган жувон. [*Сидиқжон*] *Ҳеч кимга қарамай, кетмонни қай хилда чопиш тўғрисида Маллавой ака берган таълимга ҳам риоя қилмай, куйиб-пишиб ишлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАЪЛИМИЙ Таълимга оид, таълим берадиган; таълим-тарбия аҳамиятига эга бўлган. *Покистонга адабий ва илмий, айниқса, таълимий.. ҳикоялар ғоят зарурдир.* Ойбек, Нур қидириб.

ТАЪЛИМЛИ Таълим кўрган, яхши тарбияланган, ахлоқли, одобли. *Таълимли бола.*

ТАЪЛИМОТ [*а.* تعليمات – «таълим» с. кўпл.: кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, фармойишлар] **1** Фан соҳалари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва ш.к. ҳақидаги илмий қарашлар, назарий хулосалар мажмуи; назария. *Фалсафий таълимотлар. Суфийлик таълимоти. Форобий таълимоти.* ▬ *«Инсон кўзи тушган нуқтага етиб бориши мумкин..» Меъмор Нажмиддин Бухорий улуғ мунажжим Улуғбек мирзо таълимотидаги бу сўзнинг мағзини чақиб, хаёл ичида ўтирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув. *Шундай, сиз менинг ҳалиги таълимотим бўйича, унинг бўйнига қўй сўйиш ва тўн беришни юклашга ҳаракат қилингиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАЪЛИМСИЗ Таълим кўрмаган, яхши тарбия олмаган; одобсиз, тарбиясиз. *Таълимсиз бола.*

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ Таълим ва тарбияга оид ишлар; таълим ва тарбия; педагогика. *Таълим-тарбия ишлари. Таълим-тарбия илмий-текшириш институти.* ▬ *Зағчакўз патнисдан кўзини олмай, ғазабини ичига ютгани ҳолда: -Хўш, сизнинг мактабингизда болаларга илм-ахлоқ, таълим-тарбия ҳам ўргатиладими? – деб сўради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАЪЛИФ [*а.* تأليف – қўлга ўргатиш; тузиш, ташкил этиш; иншо, китоб] *эск.* Ёзма асар, иншо, китоб.

Таълиф қилмоқ 1) асар ёзмоқ; 2) бошқанинг асарини таҳрир қилмоқ.

ТАЪМ [*а.* طعم – маза, таъм; ёқимли ҳистуйғу] **1** Тотиб ёки ялаб кўриб билинадиган хусусият; маза-тот сезувчи аъзоларга таъсирдан уйғонадиган туйғу; маза, тот. *Аччиқ таъм. Ширин таъм. Доринниг таъми. Овқатнинг таъми туз билан, Одамнинг таъми сўз билан.* Мақол. ▬ *Ҳадемай бир йил ҳам ўтиб кетяпти, Ҳали ўша майнинг таъми лабларда.* Уйғун. *Муздек қовунни есангиз, таъмига таъм, мазасига маза қўшилади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 *кўчма* Бошдан кечирилгандаги таассурот, маза. *Амир сарбозлигининг таъмини бир марта тотган Ёдгор, бундай «озодлик»ни истамади, сарбоз бўлишдан зиндонда қамалиб ётишини аъло билди.* С. Айний, Дохунда.

ТАЪМИН [*а.* تأمين – кафолат, таъминлаш; гаров; хавфсизлик; «омин» дейиш, омонлик бериш]: **таъмин қилмоқ** *(ёки* **этмоқ)** 1) керакли нарсаларни етказиб бермоқ, таъминламоқ. *Керакли маҳсулотлар билан таъмин этмоқ.* ▬ *Отам учун икки кишини шаҳарга юбориб, моддий жиҳатдан таъмин қилиш оғирлик қиларди.* С. Айний, Эсдаликлар; 2) бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ. *Муваффақиятни таъмин қилмоқ.* ▬ *Ҳамроҳларим ўз танки билан душман зотини абжақ қилган ва ғалабани таъмин этган.* Н. Сафаров, Оловли излар; 3) қониқтирмоқ, қаноатлантирмоқ; кифоя қилмоқ, етарли бўлмоқ. *Бунинг сабабини сўзлашдан илгари имом афандининг ўтган тарихига бир оз кўз ташлаб олишга мажбурмиз. Чунки бусиз ўқувчимизни таъмин қилиш мумкин эмасдир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАЪМИНЛАМОҚ 1 Керакли нарсаларни муҳайё қилиб, топиб, етказиб бермоқ, таъмин қилмоқ. *Шаҳарни сабзавот билан таъминламоқ. Мактабларни ўқув қуроллари*

билан таъминламоқ. ▬ *Мазкур комплексни бирлашма ўз кучи билан қурганлиги, зарур жиҳозлар билан таъминлаганлиги диққатга сазовордир.* Газетадан.

2 Бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ. *-Жавилбойдаги учта насоснинг бетўхтов ишлашини таъминлайман, — деди Усмонжон ака.* «Ўзбекистон қўриқлари». *..халқларимиз дўстлиги урушдаги ғалабамизни таъминлаган омиллардан бўлганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирарди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ТАЪМИНОТ [*а.* تأمينات — «таъмин» с. кўпл.] **1** Керакли нарсаларни муҳайё қилиб етказиб бериш; яшаш, ишлаш учун зарур нарсаларга бўлган эҳтиёжни қондириш. *Ижтимоий таъминот. Давлат таъминоти. Таъминот бўлими.* ▬ *Таъминот ҳам тўла йўлга қўйилмаган: гоҳи ёқилғи етказиб берилмайди..* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Яшаш, ишлаш учун керакли пул, озиқ-овқат, кийим-кечак каби нарсалар мажмуи. *..лашкар таъминотини зиёратчиларнинг назр-ниёзларига юклаганлар.* К. Яшин, Ҳамза.

3 *кўчма кам қўлл.* Маънавий озуқа; далда; умид. *Отасининг бу сўзлари унинг [Отабекнинг] истиқболи учун яхши таъминотлар берар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАЪМИР [*а.* تعمير — (ерни) ишлаш, ўзлаштириш; қуриш, қурилиш; тузатиш; обод қилиш] *эск. кт.* **1** Киши кучи ва ихтиёри билан иншоот, бино, жой ва ш.к. ни қуриш, янгидан яратиш. *Табиат турфа тузмиш тарҳу таъмир Қилиб боғу чаман шаклида тасвир.* Ҳабибий. *[Худоёрхон] 1288 (ҳижрий) йилда Қўқоннинг эски қаландархонасини бузиб, янгидан таъмир.. қилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бирон нарса, объектни бузилган, синган, йиртилган жойларини тузатиш, яхшилаш ва шу йўл билан яроқли ҳолга келтириш. *Ҳамма ҳашарчилар оролга ўтиб олганларидан кейин, таъмир иши жадаллаб кетди.* М. Осим, Темур Малик.

Таъмир қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Таъмир ишларини амалга оширмок, таъмир билан бутунламоқ, яроқли ҳолга келтирмоқ. *..Балхдаги Хўжа Муҳаммад мадрасаси таъмир қилинаётганини айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..ходимлар қисқа фурсатда таъмир этилган хонага тиқилишиб қолди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ТАЪМИРЛАМОҚ Таъмир қилмоқ. *Самарқанд шаҳрида ҳам кенг миқёсда таъмирлаш ишлари олиб борилди.* «Фан ва турмуш». *Халқ ҳунардмандлари томонидан таъмирланган ва пардозланган обида ўзининг гўзаллиги билан киши диққатини жалб этади.* Газетадан.

ТАЪМИРОТ [*а.* تعميرات — «таъмир» с. нинг кўпл.] *эск. кт.* **1** *айн.* **қурилиш 2.**

2 Қурилган бино; иншоот.

ТАЪМЛИ 1 Таъмга эга. *Исириқ туксиз, бадбўй ва аччиқ таъмли кўп йиллик ўтдир.* «Фан ва турмуш».

2 Таъми, мазаси яхши; мазали, лаззатли, тотли. *Таъмли овқат.*

ТАЪМСИЗ Таъми, мазаси йўқ; бемаза, лаззатсиз, тотсиз. *Таъмсиз қовун.*

ТАЪНА [*а.* طعنه — найза ёки пичоқ санчиш; шикоят; рад этиш; маломат] **1** Хатолик, айб ёки камчиликни бетга солиб ёки камситиб айтилган гап, қилинган хатти-ҳаракат ва ш.к. *Аччиқ таъна.* ▬ *Гуноҳкор бўлмай туриб, ўз севгилингдан ўринсиз таъналар эшитсанг.* Ж. Жабборов, Севинч ёшлари. *Кекса боғбоннинг самимий сўзлари ҳам таъна, ҳам танбеҳ эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бобо, бу гапга қандай тилинг борди, дегандай унга таъна билан қаради-да, бош чайқади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Миннат, ҳақорат, маломат тарзидаги гап-сўз. *-Йўқчилик жонимга тегди, — деди болали хотин, — бойваччаларнинг хотинларига кир юва-юва ўлиб бўлдим. Итдек меҳнат қилиб, бир бурда нонларини таъна билан едим.* С. Зуннунова, Гулхан. *Агар кучим, қувватим етса, одамларнинг жон олғучи таъналарига яна чидаш берар эдим, лекин мажолим қолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Таъна қилмоқ Таъна тарзидаги гап-сўз айтмоқ. *Хасис деб таъна қилмоқ.* ▬ *Йўлдошева.. рабфакда ўқиб юрганида, маҳаллада паранжи ёпиниб юрган бўлиши мумкин, буни ҳозир таъна қилишда ҳеч қандай маъно йўқ.* А. Қаҳҳор, Бек. *Ҳамкасблари.. «Мансабдор бўлиб, менсимай кетди», деб таъна қилишларидан ўзини эҳтиёт тутарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТАЪНАЛИ Таъна билан айтилган, таънадан иборат бўлган, таъна ифодалайдиган. *Сафохон тўранинг Камол қозидан тап торт-*

май қилаётган таънали ўткир гаплари бошқаларни ўйлатиб қўйди.. К. Яшин, Ҳамза. *Мунира, хотинини кузатиб келган раисга таънали боқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ТАЪНАОМУЗ [таъна + *ф.* آمیز – ўхшаш, каби] *айн.* **таънали**. *Раҳиманинг бригадасида ҳам анчагина ғўзага дори сепилмаган. Ойша таънаомуз гапларни гапиргиси келса ҳам, бу ҳақда индамади.* Ҳ. Нуъмон, Меҳр. *Мутриб, «хаёлпараст иним» дегандек, Авазга таънаомуз разм солди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАЪНАЧИ Ҳар нарсани таъна қилаверадиган киши. *Таъначилардан тегмасин иснодинг, кўзинг очгин, Аваз, сенга не бўлди?* «Бўтакўз».

ТАЪРИФ [*а.* تعریف – таништириш; тушунтириш; аниқлаш; мақташ, васф этиш] **1** Нарса, воқеа-ҳодиса ва ш.к. га сўзлар воситасида берилган баён, тасвир; тавсиф. *Минг таърифдан бир кўрган афзал.* ▬ *Олчинбекнинг таърифига қараганда, Зубайдахон тенги йўқ момақаймоқ, офатижон эмиш.* К. Яшин, Ҳамза. *Ориф ота гулларнинг таърифини ҳикоя қилгудек бўлса, ҳамсуҳбатининг оғзини очириб қўяди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Тўйингнинг таърифини эшитдим, шу ерда бўлсам ҳам келмас эдим.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Таъриф қилмоқ Таърифини, тавсифини бермоқ, келтирмоқ. *..у зот ниҳоятда покиза одам эканликларини таъриф қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Таърифга сиғмайди** *қ.* **сиғмоқ. Таърифи кетган** Жуда маълум-машҳур. *У таърифи кетган гўзал қиз бўлгани учун Султон Муҳаммадхондай подшоҳнинг хотинига айланган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ва ш.к. нинг қисқа ва аниқ ифодаси. *Терминнинг таърифи. Тушунчанинг таърифи. Қўшма сўзнинг таърифи.*

ТАЪРИФИ(Й) Ижобий хислатлари, мақтови ҳаммага маълум бўлган; мақталадиган, мақтовли. *Низомжон қишлоғининг таърифи ўригини жуда соғинган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қишлоқдаги боғдорлар борки, иккитасининг боши бирикса бўлди, Абдулазиз ҳожининг гилоси ҳақида гап очилар эди.. Жа таърифий гилос эди..* С. Анорбоев, Ҳамқишлоқлар.

ТАЪРИФИЧА *крш. с.* Таърифига кўра, тавсифлашича, тасвирлашига қараганда. *Унинг ўз таърифича, бир неча йиллардан буён тинч ва осойишта тирикчилигини ўтказиб юрганида.. Саодатхоннинг келиши ошга пашша тушгандай бўлди.* «Муштум». *Домла Мусонинг таърифича, «қошларини обжувоз қилиб», Элмуродга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАЪРИФЛАМОҚ 1 Таърифини бермоқ, таъриф қилмоқ; мақтамоқ. *Тошкентни, доктор, докторхонани таърифлаб адо қилолмайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Кетмон уста таърифлаганча бор экан.* Т. Ашуров, Оқ от. *Пештахталар олдида харидордан кўра кўпроқ уймалашган сотувчилар тилларидан бол томиб, молларини таърифлашади.* Н. Аминов, Суварак.

2 Нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ва ш.к. нинг моҳиятини қайд этмоқ, ифодаламоқ. *Темир, «Ҳамма нарсанинг таърифи бор, ҳамма нарсани тушунтириб бера оламан», дейди. У бахтни ҳам таърифлаб берди, кўнглини ҳам, муҳаббатни ҳам..* А. Мухтор, Чинор.

ТАЪРИФЛИ Муайян тавсифга эга, таърифга лойиқ, таърифга тушган. *Сиз таърифли заргарбачча. Мен сизники то ўлгунча.* «Эрали ва Шерали». *1961 йилда боғ кучга тўлиб, гуркураб кетди.. Айниқса, анорзор таърифли эди.* Газетадан.

ТАЪРИФОТ [*а.* تعریفات – «таъриф» с. кўпл.] *кт.* Таърифлар, таъриф ва тавсифлар; мақтовлар. *Эрур ким мардлигингдан ёзсалар кўп достонлар ҳам, Нечук биз сиғдирайлик бир вараққа таърифотингни.* Чустий. *Қовун ҳақидаги бояги таърифотларнинг барчаси ҳам ҳозир бирдан ёдидан кўтарилади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАЪСИП [«таассуб» с. нинг бузилгани]: **таъсип қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) *с. т.* Таассуб қилмоқ, иш-ҳаракатда бировга эргашмоқ, тақлид қилмоқ. *Сатторқул аканг уйини янги турмуш қилди.. Обиджонинг шуларга таъсип қиламан деб, мени кўп куйдирди-да!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАЪСИР [*а.* تأثیر – (хотирида) из, асар қолдириш, таъсир қилиш] **1** Ташқи омилларнинг киши ёки нарса ҳолатини ўзгартириш, қўзғаш хусусияти ва унинг натижаси. *Таъсир ва акс таъсир. Ўзаро таъсир. Дорининг таъсири. Иссиқликнинг таъсири. Ўқитувчининг болаларга таъсири. Таъсир кучи. Ижобий таъсир кўрсатмоқ.* ▬ *Сўнгги кунларда Навоийдан келган хатнинг таъсирида юрган Бобур Ҳиротдан гап очди.* П.

Қодиров, Юлдузли тунлар. *Куни бўйи бир стакан арoқ ёки винонинг таъсирида юради.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ерда тунов куни ёққан ёмғирнинг таъсири бор. Жангчиларнинг юришини оғирлаштиради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Таъсир қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Таъсири юзага чиқмоқ, сезилмоқ; таъсир билдирмоқ, ўтказмоқ. *Бўлиб ўтган гап Толиб акага ёмон таъсир қилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мени афсун билан ҳам ром қилиб бўлмайди, менга заҳар ҳам таъсир қилмайди, гап ҳам!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Санобар ўз сўзларининг Алижонга қандай таъсир этганлигини билиш учун унинг юзига синчков назар ташлади.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

2 Обрў, нуфуз, эътибор. *Бухоро жадидлари орасида усмонли туркларнинг ва татар бойваччаларининг таъсири катта эди.* С. Айний, Дохунда.

ТАЪСИРЛАМОҚ *кам қўлл.* Таъсир қилмоқ, таъсир кўрсатмоқ. *Нервни электр, зарб, иссиқ сув ёки бирорта кимёвий модда билан таъсирлаганимизда, ҳамма вақт мускулнинг қисқарганини кўрамиз.* «Анатомия».

ТАЪСИРЛАНМОҚ Таъсир олмоқ, таъсирига берилмоқ, таъсирида бўлмоқ: изтиробга тушмоқ. *Аваз ҳар нарсадан дарров таъсирланадиган, адолатсизлик кўрса, лов этиб кетадиган чарс табиатли..* С. Сиёев, Аваз. *Ёлғизжон қаллиғининг мулоҳазаларидан таъсирланиб, анчагача жим ётди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *У бир нимадан қўрқса ёки таъсирланиб кетса, гапиролмай ғўлдираб қоларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Маъсумаой Ойимбибига қайрилиб қаради, унинг ҳолатидан таъсирланиб, пастки лабини ташлади, бошини чайқади.* Н. Сафаров, Дон.

ТАЪСИРЛИ Таъсир қила оладиган, таъсир кучига эга. *Энг муҳими, фактларни қуруқ қайд қилмай, уларни бадиий таъсирли ифодалашдадир.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Ногоҳ жимжит ва қизғин ҳавони янгратиб, ҳофизнинг таъсирли овози кўтарилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Обрўли, эътиборли, нуфузли. *Таъсирли доиралар.*

ТАЪСИРОТ [*а.* تأثيرات – «таъсир» с. кўпл.] Таъсир; таъсирлар. *У организмни ташқи муҳитнинг ҳар хил таъсиротларидан сақлайди.* «Анатомия».

ТАЪСИРСИЗ 1 Таъсири йўқ, таъсир кучига эга эмас, кор қилмайдиган, кучсиз, заиф. *Таъсирсиз гап.* ▬ *Осмонни қизғиш кулранг туман қоплаб, куннинг юзини ғира-шира ва таъсирсиз қилиб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Обрўси, эътибори, нуфузи йўқ. *Таъсирсиз одам.*

ТАЪСИРЧАН Яхши таъсир этиш кучига эга, таъсир этиш кучи юқори даражали; таъсирга тез, кучли бериладиган. *Қуёнлар ўзининг биологик хусусиятларига кўра, ташқи шароит омилларига ўта таъсирчан бўлади.* «Фан ва турмуш». *Ҳар бир сўзни ўзига хос оҳангда, таъсирчан қилиб гапира оладиган бу кишининг ҳозирги нутқи салобат билан таъсирчан жаранглади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАЪСИРЧАНЛИК Таъсирчан бўлиш, таъсир этиш кучи, қобилияти. *Кўрсатувга бундай ҳар томонлама ёндашиш, сўзсиз, унинг таъсирчанлик кучини янада оширади.* Газетадан.

ТАЪСИС [*а.* تأسيس – тузиш, ташкил этиш; жорий қилиш]: **таъсис этмоқ** (*ёки* **қилмоқ**) 1) жорий қилмоқ, белгиламоқ. *Механизаторлар Анзура Жўраева номида эсдалик мукофоти таъсис этилишини орзу қилмоқдалар.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) ташкил қилмоқ, вужудга келтирмоқ. *Илмий жамият таъсис этмоқ.*

ТАЪТИЛ I [*а.* تعطيل – тўхташ, тўхтатиш; беркитиш, ёпиб қўйиш; тарқатиш] **1** *эск.* Ўқув даргоҳларида, умуман, дарс-машғулот бўлмайдиган кунлар; дам олиш кунлари. *Махдум, бу кун сизга таътил* [*деди мавлоно Фасиҳиддин Султонмуродга*]. Ойбек, Навоий. *..чоршанба, пайшанба ва жума кунлари таътил (дам олиш кунлари) бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Мактаб ва б. ўқув юртларида дарс-машғулотлар тўхтатилиб, ўқувчиларга дам бериладиган (ўқувчилар дам олишга чиқадиган) вақт, танаффус. *Ниҳоят, мактабларда таътил кунлари бошланди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Аҳмад таътил пайтида Фарғона водийсига практикага борди-ю, у ердаги одамларга қойил қолди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Дам олиш, даволаниш ва ш.к. учун ишдан озод қилиб бериладиган маълум кунлар, ишдан озод қилинадиган муддат. *Бошқаларга дам олиш кун, Таътил ойи бе-*

рилар. Шоир янги ташбиҳ учун Ўлган бўлса тирилар. Э. Воҳидов. *Мўминов ҳар йили таътил пайтида дам олмас эди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ТАЪТИЛ II *шв. фольк.* Овқат, егулик; нонушта; овқатланиш.

Таътил қилмоқ Нонушта қилмоқ, умуман овқатланмоқ. *Ул алплар қандай алп: ёйандоз, мерган, ҳар қайсиси.. ҳар кунига тўқсон ширвознинг этини таътил қилган.. зўр полвондир.* «Алпомиш».

ТАЪТИЛЛАНМОҚ *айн.* **таътил қилмоқ.** *Эрталаб таътилланиб, йўлга отландим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ТАЪХИР [*а.* تأخير – кечикиш, кечиктириш; имиллаш, орқага судраш, кейинга қолдириш] *эск. кт.* Ўз вақтида келмаслик ёки қилмаслик, бажармаслик; кечикиш, хаёллаш; тўхтаб қолиш; тўхтатиб қўйиш.

Таъхир қилмоқ *(ёки* **этмоқ***)* Кечиктирмоқ, тўхтатиб қўймоқ. *Нечук иш бўлса, ўз вақтида қилдим, қилмадим таъхир, Садоқат бирла қилган меҳнатимни айлашиб тақдир.* Ҳабибий. **Таъхирга солмоқ** Кечиктирмоқ, тўхтатиб қўймоқ. **Таъхирга тушмоқ** Кечиктирилмоқ, тўхтатиб қўйилмоқ; ўз вақтида бажарилмаслик. *Дўст аччиғига дўстлар ихлоси бўлса шояд, Таъхирга тушмай ишлар соз бўлса, кулса шояд.* «Муштум».

ТАЪҚИБ [*а.* تعقيب – орқасидан қувиш; изига тутиш; қувғун қилиш; жазолаш] **1** Зимдан, билдирмасдан кўз-қулоқ бўлиб кузатиш. *Юриш-туришини таъқиб. Таъқибдан қутулмоқ.*

2 Эркин ҳаракат-фаолият кўрсатишга қўймаслик, шу мақсаддаги назорат, кузатиш. *Подшо Иброҳим Султонга аҳли уламою фузало устидан таъқибни ҳаддан зиёд қилмаслик, мумкин қадар уларга тегмаслик кераклигини айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Издан тушмоқ, кетидан қувмоқ, орқама-орқа бормоқ, юрмоқ. *Унинг ҳаракати бир нарсадан шубҳаланиб эмас, аммо орқадан душман таъқиби бўлмадими учун эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Таъқиб килмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) кўздан ўтказмоқ, кузатмоқ. *Онаси унинг бутун ҳаракатларини таъқиб қилиб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Отабек хомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўз-қулоқ бўлиб кузатмоқ, назоратда тутмоқ. *Гулсумбиби.. қизнинг феъли-атворини, юриш-туришини очиқ ва бекитгич равишда узоқ таъқиб этди.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) изидан тушмоқ, кетидан ҳаракат қилмоқ, қувмоқ. *Улоқни олган Содиқжон бойвачча ҳаммадан олдинда, Сулаймон оқсоқол бошлиқ қолган кўпкаричилар уни қуюндай таъқиб қилиб келишарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Жўрақул дўстлари билан душманни таъқиб қилиб, олдинга силжирди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ТАЪҚИБЧИ Зимдан кузатувчи, таъқиб қилувчи. *Дарахтнинг юқорисига чиқиб олдим. Бир марта қувиб ниятига етолмаган бу таъқибчи йиртқич* [*айиқ*] *энди жон-жаҳди билан арча устига чиқишга уринарди.* Қ. Султонов, Маймоқполвоннинг таъқиби.

ТАЭКВОНДО [*корейсча:* таэ – оёқ + квон – қўл + до – йўл: оёқ ва қўлларнинг ҳаракат йўли, усули] *спрт.* Эркак ва аёлларнинг ўз вазн тоифаларида (якка ва жамоавий), белгили қоидалар асосида, оёқ ва қўллар билан зарбалар беришдан иборат спорт кураши тури. *Халқаро таэквондо федерацияси.* ▬ *Яқинда республика таэквондо федерацияси томонидан ўтказилган спорт йўриқчиларининг малака синови [баҳоланиши] ана шу саволларга жавоб берди.* Газетадан.

ТАЯММУМ [*а.* تيمّم – ният қилиш; бирор мақсадни кўзлаш; сув бўлмаганда қум билан таҳорат қилиш] *дин.* Сув бўлмаган жойда қум, тупроқ, пахта, тоза мато каби нарсалардан фойдаланиб олинадиган шартли таҳорат. *Уйдан чиқишда қумғонни олиш ёдидан кўтарилгани учун у анча ташвишланди. Ҳеч бўлмагандан кейин, либосига қўл уриб, таяммумни адо этди.* Н. Мақсудий, Бола йўқотган киши.

Сув йўғида таяммум Йўқ нарса ўрнида бошқа нарсадан фойдаланишга, бошқа нарса билан кифояланишга тўғри келган ҳолларда айтиладиган ибора. *Аҳмад Ҳусайн бир оз ўйланиб тургандан сўнг деди: -Яхши, розиман, сув йўғида таяммум, деганлар-ку.* Ойбек, Нур қидириб.

ТАЯМОҚ 1 Бирор нарсани иккинчи бир нарсага тегизиб, куч билан итариб турмоқ, тирамоқ. *Тирсакларини тиззаларига таяган ҳолда букчайиб ўтирган Элмурод юзидан қўлларини олмай сўради: -Нима қилай?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Мустаҳкам туриши учун бирор нарса тираб, ўрнатиб қўймоқ. *Қулай бошлаган деворга ёғоч тояб қўймоқ.*

3 Бирор нарсага тегизиб қўймоқ, суямоқ. *Чол ҳассасини деворга тояб қўйди.*

ТАЯНМОҚ 1 Таямоқ 1 фл. ўзл. н. *Ҳассага таянмоқ. Қўллари билан столга таяниб олмоқ.* ▬ *Кампир.. бир қўлида ҳассасига, иккинчи қўлида Анорхонга таянганича қабристонга йўл олди.* И. Раҳим, Ихлос. *Султон тиззаларига таяниб ўрнидан турди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 *кўчма* Бирор нарсани ҳисобга (асосга) олиб, унга ишониб иш тутмоқ; суянмоқ. *Омманинг ташаббусига таянмоқ. Бизда пахтачилик юксак агротехникага таянади.* ▬ *Ўртоқ Низомиддинов, бундай пайтларда раҳбар органларнинг ёрдамига таяниш керак.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Хон.. кўпроқ сарой амалдорлари, уламо ва тўраларга ён босар ва уларга таянарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Азалдан ер унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда алмашлаб экиш самарасига таяниб келинган.* «Муштум».

Тавбасига таянмоқ *қ.* **тавба.**

ТАЯНЧ 1 Нарсани кўтариб, унинг тик, барқарор туриши учун хизмат қиладиган восита; устун, тиргак, тирговуч. *Кўпгина қурилиш ташкилотлари.. таянчлар ясаш учун металлни беҳуда сарфламоқдалар.* Газетадан.

2 *кўчма* Асос бўлиб хизмат қиладиган, суяниладиган нарса. *Мўл ҳосил тўплаш ойида механизация деҳқоннинг энг кучли таянчидир.* Газетадан. *Педагогнинг энг қудратли таянчи ҳам ва оромбахш ёстиғи ҳам унинг покиза виждонидир.* Р. Усмонов, Одобнома. *Табиат фақат инсон тириклигининг, ҳаётнинг жисмоний асосини белгилабгина қолмай, маънавий ҳаётнинг ҳам асосий таянчидир.* «ЎТА».

3 *кўчма* Ёрдам ёки ҳимоя қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган кимса; ҳимоячи, ёрдамчи, ҳомий. *Зебихон хотинларни зимдан кузатиб ўтирар, уларнинг ичидан ўзига таянч бўладиганларини мўлжаллар ва ўйлар эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Худодан бошқа таянчим йўқ, ўзи асрасин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАЯНЧИҚ 1 Тутиб, кўтариб турадиган восита; тиргак, устун, тирговуч. *Кўприкнинг таянчиқлари.* ▬ *Бўйин таянчиғи бўлган юқориги еттита умуртқа бўйин умуртқалари деб аталади.* «Анатомия».

2 Стул, каравот ва ш.к. нинг суяниладиган, таяниладиган қисми; суянчиқ. *Наимий буни сира кутмаган эди, ранги ўчиб кетди, креслонинг таянчиғини чангаллаб, ўрнидан турди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *кўчма айн.* **таянч 3**. *Мен келдим бир дарбадардай ёш тўкиб ҳушсиз, Қани онам.. таянчиғим, кўнглим қувончи?* «Шарқ юлдузи».

ТАҚ I *тақл. с.* Икки қаттиқ нарсанинг бир-бирига зарб билан урилишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Ёнғоқ тақ этиб тошга урилди. Эшик тақ этиб ёпилди.* ▬ *Бошлиқ трубкани яна тақ этиб қўйди. Худди катта бир ишни қойил қилган одамдек, қандайдир димоғ билан хўрсинди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Зокир қўлидаги қадаҳни тақ этказиб, столга қўйди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Пешонаси тақ этиб деворга тегмоқ Ўз билганидан қолмай, охири иши вой бўлмоқ. *Пешонанг деворга тақ этиб теккандан сўнггина кўзинг очилди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Тақ (*ёки* тиқ, туқ) этса, эшикка қарамоқ** Кимсани интизорлик билан кутмоқ. *Муҳаррамнинг тоқати тоқ, Элмуроднинг йўлига кўзи тўрт эди. Тақ этса, эшикка қарарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТАҚ II *қ.* **таққа**. *Темурбекнинг шахти кўп баланд! Еру кўкни у тақ тиндирар.* М. Али, Гумбаздаги нур.

ТАҚА I От-улов туёғини зарарланишдан, сирғанишдан сақлаш учун туёқ остига михлаб қоқиладиган ярим доира шаклидаги металл буюм. *Отнинг тақаси.* ▬ *Қишлоқ тинчлигини бузган бу якка от туёқларининг тарақ-туруқи, тақаларнинг тошларга урилишидан чиққан ялт-ялт чақмоқ дам ўтмай узоқлашди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАҚА II *шв.* Жуфтнинг бири; тоқа. *Норбой ота.. олти таноб еру бир тақа ҳўкизга эга бўлди.* М. Ҳаким, Бувнор. *..бир неча қадам йўл босиши билан қўлқопнинг иккинчи тақасини кўриб қолди.* «Муштум».

ТАҚАЛ: тақал қилмоқ Бирор ишни бажаришга дарров киришмай, ўйланиб қолмоқ, кечиктирмоқ; кетга сурмоқ, галга солмоқ; баҳона қилмоқ. *Тожихон, қўйинг шу важҳу тақални.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Ҳаялламай жаллод, энди борингглар, Тақал қилмай, тезроқ бориб келинглар.* «Алпомиш». *Ёмон хотин кўп қилади тақални, Қирққа*

кирмай оқартирар соқолни. М. Алавия, Ўзбек халқ қўшиқлари.

ТАҚАЛАМОҚ От-улов туёғига тақа қоқмоқ. [*Холхўжа Бўтага:*] *Менга йигит бўл! Бир қошиқ қонингдан ўтаман. Менга хизмат қил! Отларни тақалайсан.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТАҚАЛМОҚ 1 Тақамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ёғочнинг учи деворга тақалган. Қайиқ бориб қирғоққа тақалди.* ▬ *Ҳозир суҳбат Элчибекка келиб тақаладигандай эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Суви анча тортилиб қолган кўлнинг шимолий этаги қишлоқ уйларининг ҳовлиларига бориб тақалар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Камар бир одам бемалол энгашиб юра оладиган бўлиб, охири қаерга бориб тақалишини ҳеч ким билмасди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор нарсанинг битишига, юзага келишига қараб қолмоқ, у билан боғлиқ бўлмоқ. *Рухсатнома ёзилган. Иш суратга тақалиб қолди. Бугун у ҳам тайёр бўлади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Кўп нарса замонавий машина-ускуналарнинг етишмаслигига бориб тақалади.* «Муштум».

ТАҚАМОҚ 1 Жуда яқинига олиб бориб, етказиб, тегизиб қўймоқ; тирамоқ. *Стулларни бир-бирига тақаб қўймоқ.* ▬ [*Маҳкам:*] *Гоҳ қўлида милтиқ, йўлимни тўсади, гоҳ кўкрагимга миниб олиб, кекирдагимга пичоқ тақайди..* Н. Сафаров, Уйғониш. *Нури ўз юзини йигитнинг юзига тақади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Сўзни, мавзуни бирор ерга, масалага уламоқ, олиб келмоқ, кўчирмоқ. *Шундай қилиб, Ефим Данилович гапни яна қурол-яроққа олиб келиб тақади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Ким ёки нимадандир деб билмоқ, унга боғламоқ. *Ҳамма нарсани динга, худога тақайверма.* Н. Аминов, Суварак. *Область саҳро ҳисобига тараққий этиб, келгусида иккига бўлиниб кетса, бу объектив қонун, Аббосов. Сен буни менга тақама, бундан иғво чиқаришинг қийин.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

Деворга тақамоқ Шошириб, гангитиб қўймоқ; таслим бўлишга мажбур қилмоқ. *Бора-бора Қорача Ҳожибнинг ҳазиллари сийқалашиб, ҳамманинг энсасини қотира бошлади. Ойсулув эса янги-янги сўзлар, ўхшатишлар топиб, рақибини деворга тақаб қўйди.* М. Осим, Ўтрор.

ТАҚАСОҚОЛ Узун-узун гуллари эгилиб, ярим доира шаклини оладиган ёввойи чўл ўсимлиги. *Тақасоқол, ёвшан.. кўкариб, юлғунлар қип-қизил гуллади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТАҚАТАҚ 1 Ҳаммаси бирдан, битта ҳам қолмасдан; ёппасига. *Магазинлар, дўконлар тақатақ қулф.* ▬ *Уйларнинг эшиклари, деразалари тақатақ ёпиқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бутунлай, тамоман. *Иситма полвоннинг иштаҳасини тақатақ бўғиб, силласини қуритибди.* М. Алиев, Бетоб. *Аллоннинг бир жуловози тақатақ тўхтади* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Тўрани кўриб, ҳамма тақатақ тўхтар, икки букилиб таъзим қиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАҚА-ТАҚ *тақл. с.* Бир меъёрдаги тез ҳаракатдан, урилишдан ҳосил бўладиган овоз, шовқинни билдиради. *Поезднинг «тақа-тақи» кишини мудратарди.*

ТАҚАЧИ Тақа ясайдиган ва отга тақа қоқадиган уста. *Мўғуллар.. керакли қуролсозлар, узангисозлар, тақачилар, темирчилар, аравасозлар, тўқувчилар ва бошқа касб эгаларини бир чеккага ажратдилар.* М. Осим, Ўтрор.

ТАҚАЧИЛИК 1 Тақа ясаш ва тақа қоқиш иши, касби. *Тақачилик артели. Тақачиликни ўрганмоқ. Тақачилик қилмоқ.* ▬ *Бўтабой ҳам икки кунда тақачилик дўконини тиклади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Дадам тақачиликни жинидан баттар ёмон кўрса ҳам, тақа ясашга киришди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

2 *тар.* Тақачилар ишлайдиган жой; тақачиларнинг дўкони, ишхонаси жойлашган раста, кўча ёки маҳалла. *Бари бир, Маҳкам тинмади, тақачиликка тушиб, бир чети учган сандон кўтариб келди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Очил тақачи Мадумарни танийди, кулоллар растаси тақачиликнинг шундай ёнгинасида.* А. Мухтор, Чинор.

ТАҚАШТИРМОҚ Бир-бирига тақаб, тегизиб қўймоқ, ёнма-ён жипслаб жойлаштирмоқ. *Столни деворга тақаштириб қўймоқ.* ▬ *Қизлар бирин-сирин келиб, ўринлари устига ўтирдилар. Ўрин қатор ва бир-бирига тақаштириб солинган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАҚВИМ [*а.* تقويم – тўғрилаш, тузатиш; баҳолаш; календарь] **1** *эск.* Сайёра (плане-

та)ларнинг ҳолат ва ҳаракатларини кўрсатувчи йиллик жадвал; юлдузлар жадвали.

2 Йилнинг барча ой-кунлари тартиби билан кўрсатилиб, бошқа турли хил қизиқарли маълумотлар ҳам берилган жадвал ёки китобча. *Стол тақвими. Йиртма тақвим.*

ТАҚВО [*а.* تقوى – диндорлик, художўйлик; худодан қўрқиш] *дин.* **1** Мустаҳкам диний эътиқод; художўйлик, диндорлик.

2 Ҳаром-харишдан ҳазар қилиш, ўзини сақлаш, тийиш. [*Эшонларнинг*] *Тақво эмиш қилмишлари, Яъни шулдир ишлари: Фақир молин чайнарга Ўткир бўлган тишлари.* Ҳамза.

ТАҚВОДОР *дин.* **1** Мустаҳкам диний эътиқодли; художўй, диндор. *Элдан бурун масжидларга кетаётган тақводорлардан бошқа кўчаларда ҳеч зоғ йўқ.* М. Осим, Ўтрор.

2 Ҳаром-харишдан ҳазар қиладиган, ўзини сақлайдиган, тиядиган; пок. *Мулла Маҳмуднинг гапидан кейин баъзи тақводорроқ кам ерли деҳқонлар ҳам қўшимча сифатида бўлиб берилган токзордан воз кечишди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАҚВОДОРЛИК Тақводорга хос иш, хислат; тақводор эканлик. *Бу амир муллалик ва тақводорлик билан донғи чиққан бир кимса эди.* С. Айний, Қуллар. *Йигит, хўжа оиласининг тақводорлигини, фуқарога қиз бериш у ёқда турсин, унинг совчисини ҳам остонадан ҳатлатмаслигини билар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАҚДИМ [*а.* تقديم – олға силжитиш; юқори лавозимга кўрсатиш, тавсия этиш; бир нарсани бирор кимсага бериш; бир кишини бошқа киши билан таништириш] Тавсия, таклиф. *Юқори идораларнинг тақдимига кўра ишга тайин этмоқ.* ▬ *Жамоатчилик асосида ишлайдиган раис (оқсоқол) маслаҳатчилари ўртасидаги вазифалар тақсимоти, раиснинг тақдимига кўра, фуқароларнинг йиғини томонидан амалга оширилади.* Газетадан.

Тақдим этмоқ *(ёки* **қилмоқ**) 1) тавсия этмоқ, таклиф қилмоқ. *Элмурод ҳаммани мукофотга тақдим этганда, ўзини тушириб қолдирган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар; 2) тортиқ, совға сифатида бермоқ, тортиқ (ҳадя) қилмоқ. *Муҳиддиннинг тақдим қилган совғаси Хосият холанинг бошини кўкка етказди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..дарс вақтида мени хаёл суриб ўтирганимни расмга олибди.. Кейин расмни менга тақдим этди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ТАҚДИМНОМА [тақдим + нома] Ёзма тақдим. *..жазонинг ҳали ўталмаган қисмини юмшоқроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида.. судга тақдимнома топшириш ҳуқуқи берилсин.* Газетадан.

ТАҚДИМОТ [*а.* تقديمات – «тақдим» с. кўпл.] Бирор нарсани тантанали суратда кўпчиликка таништириш.

ТАҚДИР [*а.* تقدير – ҳисоблаб чиқариш, ҳажмини белгилаш; эътироф этиш; фараз, эҳтимол; баҳолаш, қиймат] **1** *дин.* Олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага битилган кўргилик; ёзмиш, қисмат. *Қора тақдир. Шум тақдир.* ▬ *Нима қилардик, бандасининг қўлидан нима келарди.. тақдир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-У ҳам эмас, бу ҳам эмас, – деди* [*Кумуш*], *— ҳаммаси худонинг тақдири!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмад Ҳусайн қулдан бадтар ожиз, забун, ҳамиша тақдирга итоаткор, ғирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳайрон қолди.* Ойбек, Нур қидириб.

Тақдир бўлиб Тақдир юз бериб, насиб этиб, пешонада ёзилгани бўлиб. *Лайлонинг отаси ҳам, онаси ҳам менга ўрганиб қолишди.. тақдир бўлиб, Лайлонинг синглиси Мастурага уйландим.* М. Қориев, Ойдин кечалар. **Тақдир қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) насиб қилмоқ, насиб этмоқ, буюрмоқ. *-Худо тақдир қилган бўлса, бу ҳунарни ҳам топамиз, – деди эшон.* С. Айний, Дохунда; 2) муносиб баҳоламоқ, тақдирламоқ. *Ош ўхшалган эди. Биринчи ошамдаёқ, Маҳмуд Нигор ойимни тақдир этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Тақдирга тан бермоқ** 1) *дин.* ўз қисматига, кўргиликларига худонинг иродаси, хоҳиши деб, рози бўлмоқ *Тўхта хола ўзини босиб, кўз ёшларини ютиб, тақдирга тан бериб тура қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) умуман кўникмоқ; чидамоқ. *Ҳасратдан, йиғидан зериккан фуқаро тақдирга тан бергиси келмайди.* Ҳ. Шамс, Оқпадар.

2 Келгуси ҳаёт; келажак, истиқбол. *Аввал Адолат ўз тақдиридан бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмасди. Энди бўлса у ёлғиз ўз тақдирини эмас, ўзига ўхшаган юзлаб хотин-қизларнинг тақдирини ўйлайди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Аслида ҳаяжон билан қизларнинг оғзига кўз тикар, гўё ўзининг бундан кейинги*

тақдири уларнинг жавобига боғлиқдек, юраги така-пука эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

3 Келгуси натижа, унинг нима бўлиши, қандай экани. *Ҳосилнинг тақдири ана шу зовурларни ҳар йили, ҳеч бўлмаганда, йил ора тозалаб туришга боғлиқ.* Газетадан. *Георгий Синявский отаси тузган лойиҳанинг тақдири нима бўлганини билиб беришни илтимос қилибди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ҳошим аканинг мушоҳадаларига берилиб ўтирсам ҳам, лекин.. хаёлим бояги хатнинг тақдирида эди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ТАҚДИРДА *боғл.* Шарт маъносини билдиради, шарт муносабатли гапларни боғлаш учун хизмат қилади. *Ҳаммаси эмас, биронтаси рост бўлган тақдирда ҳам, мен бу гапларни сизга айтмас эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Агарда кўниб, хўп деса-ку хайр; кўнмаган тақдирда, бу хабарни Отабекка етказсак, зора шунинг билан кўнгли совиб тушса.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тирик ҳужайра ташқи муҳит билан мунтазам алоқада бўлган тақдирдагина яшай олади.* «Фан ва турмуш».

ТАҚДИРДОШ Тақдири бир, бир хил тақдирга эга. *Мана донгдор пахтакор жувон, Рухсори гулми, қуёш? Кемиракан висолсиз ҳижрон, Сирқирадим тақдирдош.* Зулфия, Юрак тўлқинлари.

ТАҚДИРЛАМОҚ Муносиб баҳо, мукофот ва ш.к. билан нишонламоқ, қадрига етмоқ, қадрини қайд этмоқ. *Буюк хизматларини тақдирламоқ.* ▬ *Бир кеч унинг бу фазилатларини тақдирлаган бўлиб, ресторанга таклиф этди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Ҳамид Олимжоннинг.. хизматларини тақдирлаб, унинг номи абадийлаштирилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАҚДИРНОМА [тақдир + нома] Тақдирлаш ҳақидаги ҳужжат, тақдирлаш қоғози. *«Қибрай» дам олиш уйи Ўзбекистон курортлар бошқармасининг тақдирномасига сазовор бўлди.* Ф. Исҳоқов, Роҳатижон. *Экспонатлар орасида Ғаниевнинг фронтдан ёзган хатлари, жанговар тақдирномалари, гувоҳномалари бор.* Газетадан.

ТАҚИЛЛАМОҚ «Тақ-тақ» этган товуш чиқармоқ. *Эшик тақиллади.* ▬ *У кўзини юмди дегунча, хаёлида қорабайир жавлон қилар, тақаларининг тошларга урилиб тақиллаши қулоқларига эшитилаётгандай туюларди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Томоғи тақилламоқ *қ.* **томоқ**.

ТАҚИЛМОҚ I **Тақмоқ** фл. мажҳ. н. *Кўкракка тақиладиган нишон.*

ТАҚИЛМОҚ II **1** Тегинмоқ; тегмоқ. *Эшикнинг қулф ва занжири бўлмай, юзига ёпиқ ҳолда турган бўлса ҳам, у [йигит] эшикка тақилмади, машаққатланиб, деворга минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нутқда, гапда кимса ёки нарса ҳақида тўхтамоқ, гапириб ўтмоқ. *Маърузачи кўп масалаларга тақилмади.*

ТАҚИМ Оёқнинг тизза ости букиладиган жойи. *Унинг ўзи ҳам сочини иккита қилиб ўриб, тақимига тушириб юришни яхши кўрарди.* П. Қодиров, Эрк. *Шу заҳоти тақимим, умуман, бутун баданим қичишаётганини пайқадим.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар. *-Ия, Обиджон, — тиржайиб гапирди Қамбар, — мен ўйловдимки, улоқни тақимга босиб келасиз, бу ерда қозон осамиз деб, қуруқ томоша денг.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАҚИМЛАМОҚ От устида ўтирган ҳолда бирор нарсани (мас., улоқни) тақими остига босиб олмоқ. *Орият зўр нарса. Сен ҳам майдондасан. Улоқ отингнинг елкасида турибди, тақимла.* И. Раҳим, Ихлос.

ТАҚИМОҚ *с. т.* Айбни бировга ағдармоқ, тўнкамоқ, бировдан кўрмоқ. *Модомики шундоқ экан, рашк тўғрисида бировга айб тақиш қийин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАҚИНЧОҚ Узук, исирға, маржон каби тақиладиган зеб-зийнат буюмлари. *Сиз ўша — тақинчоқ, долларга банда, Вилладан дунёга ташлайсиз назар.* Зулфия.

ТАҚИР 1 *от, геогр.* Қаттиқ қатқалоқ билан қопланган ер. *Туя қувласа, шудгорга қоч, Илон қувласа — тақирга.* ▬ *Қум уюмлари орасида нуқул гилдан ҳосил бўлган майдонлар учрайди. Бундай жойлар тақир деб аталади.* «Ўзбекистон географияси». *Оқмаган дарёнинг номидир тақир.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *сфт.* Гиёҳ ўсмайдиган ёки деярли ўсмайдиган; яйдоқ, яланғоч. *Тўғри, олти-етти йил илгари бу жойлар — Қарши чўли тақир ердан фарқи йўқ эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *сфт.* Ўт-ўлансиз, ўт-ўлани ердан кўринмайдиган (ўсмаган) даражада. *Қўнишдаги*

тақир ялангликда куни билан тўйиб ўтлаган қўй-эчкилар кавш қайтариб ётибди. С. Анорбоев, Оқсой.

4 *сфт.* Сочи, жуни, туки йўқ; туксиз. *..баъзи ўртоқларнинг алдамчилигини кўрганда, тақир даҳанимга соқол чиқиб кетишига оз қолди.* «Муштум». *Жамшид шундоқ деразa тагида, тақир гилам устида ухлаб қолди.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

5 *сфт. кўчма* Ҳеч нарса тўшалмаган; яланғоч. *Тақир ерда ухламоқ.* ▬ *Йўлдош ака тақир шолчага, худди саккиз қават кўрпачага ўтиргандай, бамайлихотир ёстаниб олди.* Ҳ. Назир, Васият.

6 *рвш.* Сира, асло; мутлақо, бутунлай. *Бу ишдан тақир хабарим йўқ.* ▬ [*Нодира:*] *Уй анжомларим, кийимларим кўзимга тақир кўринмади.* Ҳамза, Майсаранинг иши. -*Кўз тикиб турган ерларимиз эски ариқданки сув ичолмайди, янги ариқдан тақир ичолмайди, яна азалгидай қақраб ётаверади, — деди Ҳасан сўфи.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мумкинми, айтгин ахир? Бу иш ярамас тақир.* Қ. Муҳаммадий.

7 Сира қолдирмасдан, тозалаб, қиртишлаб; тозаланган. *Сочини тақир қирдирган бир киши сал жилмайиб қараб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *У киши [бой] шўрвани пиширади, лекин мойини сузиб ичади, гўштини ейди, менга тақир суяк билан бир коса жирсиз сув келтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 *шв.* Чала туғилган чақалоқнинг териси.

Тақири чиқмоқ Ўт-ўлани ейилиб тугаб бўлган. *Мол оралаб кетган анғизларнинг аллақачон тақири чиққан.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ТАҚИРЛАМОҚ *айн.* **тақилламоқ.** *Эшик тақирлади. Узоқдан араванинг тақирлаган овози эшитилди.*

ТАҚИРЛИК Тақир жой, майдон. *Шу куниёқ узоқ-яқиндаги чўпонлар тақирликдаги қудуқ ёнига.. одамлар келиб туришганини эшитишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАҚИР-ТУҚУР 1 *такл. с.* «Тақир» ва шунга яқин товушларни билдиради. [*Устахонада*] *Болғаларнинг тақир-туқури, ишчиларнинг шўх қаҳқаҳалари баралла эшитилиб турибди.* Ш. Умурзоқова, Баҳорни қутлаб. *Эъзозхон.. уй билан ўтирганда, йўлдан мактабга бурилган арава ғилдиракларининг тақир-туқури эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қулоғига тунука томнинг бир меъёрда тақир-туқур қила бошлагани эшитилди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

2 Қақир-қуқур, лаш-луш(лар). *Ҳар ерда синиқ-миниқ идишлар, тақир-туқурлар, ҳар хил жиҳозлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТАҚИЯ *қ.* **тақя.**

ТАҚИҚ [*а.* تعقيق — узиш, тўхтатиш; қулоқ солмаслик, бўйсунмаслик] Ман, қатағон. *Ислом дини санъатни ўзига хизмат қилдириш билан бир қаторда рассомлик, мусиқа ва қўшиқ санъатига муайян тақиқлар киритди.* «Фан ва турмуш».

Тақиқ қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Тақиқламоқ. *Тақиқ қилинган қўшиқларни айтмоқ. Бесўроқ кириш тақиқ этилган.*

ТАҚИҚЛАМОҚ Ман этмоқ, қатағон қилмоқ, тақиқ қилмоқ. *Чекишни тақиқламоқ.* ▬ *Бизда йўқ чегара, дину ирқу ранг — Ақл тақиқлаган барча жаҳолат.* Ғ. Ғулом. *Менга зов бошига боришимни тақиқлаб қўйишганди уйдагилар.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ТАҚИҚЧИЛИК *с. т.* Тақиқ иши. -*Нодон бир кимса тепамда тақиқчилик қилиб турса, билмадим, бу ёғи қандоқ бўлар экан? — деб қўлларини ўйнатиб шикоят қилди қори.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАҚЛИД [*а.* تقليد — ваколат бериш; (амалга) тайинлаш; ўхшатиш] **1** Шахс ёки нарсанинг овози, хатти-ҳаракати ва ш.к. ни иложи борича аниқлик билан, ўзидай қилиб айтиш, бажариш; ўхшатма овоз, ҳаракат қилиш. *Шодон аскиялар, пайров ва тақлид Даврани порлатар мисоли чироқ.* А. Исроилов. *Минг йилдиркими, булбул каломи Ўзгармайди, яхлит ҳамиша. Аммо шўрлик тўтининг ҳоли Ўзгаларга тақлид ҳамиша.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Ижод, фаолиятда ўзгаларга эргашиш, ўзгалар намунаси асосида иш олиб бориш. *Тақлид эса, аксинча, бошқа ёзувчига кўр-кўрона эргашиш, унда тасвирланган ҳаёт лавҳаларини «ўзлаштириб», механик суратда кўчиришга олиб келади..* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

Тақлид қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) ўхшатма овоз, ҳаракат ва ш.к. ни бажармоқ, қилмоқ. *У қишлоқ корчалонлари ва боёнларининг юриш-туришларини, қилиқларини жуда дўндириб тақлид қилади.* Ҳ. Шамс, Душман. *Фрицларнинг одатлари, юриш-туришларини артист-*

лардек ҳаракатлар билан жонли тақлид этиб, масхара қилар эди. Ойбек, Қуёш қораймас; 2) фаолият, ижод ва ш.к. да ўзгаларга эргашмоқ, тақлидан иш олиб бормоқ, ҳаракат қилмоқ. *Ёмонни танқид қилади, яхшига тақлид қилади.* Мақол. ▬ *Бола тақлидчи бўлади, у.. ўз отасига тақлид қилишга ҳаракат қилади.* С. Зуннунова, Янги директор.

Тақлид сўз *ёки* **тақлидий сўз** *тлш.* Турли товуш ёки образларга тақлидни билдирувчи сўзлар. Мас., *тақ, гуп, шарақ-шуруқ, лип-лип, ялт-ялт* ва б.

ТАҚЛИДАН Ўзгага ўхшаб ёки ўхшатиб, тақлид қилиб, тақлид тарзида. *Бу одам аввал уятчан қизларга тақлидан ноз қилиб, кейин ҳалиги беқасам тўн кийган жувонга тақлидан ўйинга тушиб, ҳаммани кулдирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Хўжабековдан сўнг Саидғози сўз олди. У ҳар вақтдагидек кўримсиз жуссасини раисга тақлидан тиктирган кулранг кителига яширган эди.* А. Анорбоев, Оқсой.

ТАҚЛИДИЙ Тақлид билан бўлган, тақлид натижасида юзага келган. *Тақлидий шеър. Тақлидий сўз.*

ТАҚЛИДЧИ Ўзгаларга тақлид қилувчи, тақлид йўлидан борувчи. *Тақлидчи шоир.* ▬ *Бола тақлидчи бўлади..* С. Зуннунова, Янги директор.

ТАҚЛИДЧИЛИК Ўзгаларга тақлид қилиш; тақлидий йўл (мас., ижодда). *Бу «модернизм», «тақлидчилик» касалидир, уни даволаш керак.* «Муштум».

ТАҚМАГУЛ *бот.* Сертикан, гули майда ёввойи атиргул; жингул.

ТАҚМОҚ 1 Безак буюмлари, медаль, қурол ва ш.к. ни тананинг (кийимнинг) бирор жойига ўтказиб, осиб ёки боғлаб ўрнатмоқ. *Бармоққа узук тақмоқ. Кўкракка медаль тақмоқ. Қулоққа исирға тақмоқ. Бўйинга маржон тақмоқ. Белга қилич тақмоқ. Сочга лента тақмоқ.* ▬ *Гунафшалар очилди, чакканга тақ, чакканга; Атир ҳиди сочилди, Чакканга тақ, чакканга.* З. Диёр. *Тўғридаги деворга Охунбобоевнинг чақмоқ телпак кийиб, кўкрагига қизил лента тақиб тушган сурати ёпиштирилган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Тўғнамоқ, чатмоқ. *Кўйлакка тугма тақмоқ. Белбоққа мунчоқ тақмоқ.*

3 Тешигидан ўтказиб қўймоқ, ўтказмоқ. *Кеча сутдек ойдин. Игнага ип тақса бўладиган.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

4 Умуман, бир нарсани бошқа нарсага маҳкамламоқ. *Олимов таёқлар тепасига чиллакдай айрилар боғлаб, уларга қизил қоғоздан варрак қулоғидай шокилалар тақиб қўйди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

5 *қ.* **тақимоқ**. *Ўз айбингни бировга тақма.* ▬ *Айтдингиз, айтдингиз, нега тонасиз? Мен сизга айб тақётганим йўқ-ку!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Бу битта одамнинг* [*Раҳмонқуловнинг*] *одати. Уни сен коллективга тақма..* А. Мухтор, Чинор.

ТАҚОВУЛ [*а.* تقابل – бир-бирига юзма-юз. қарама-қарши бўлиш, туриш; таққосланиш, қиёсланиш] *с. т.* Ўзаро мос, муқобил. *Ҳури билан иккови унга от ҳам қўйиб қўйишган: ўғил туғилса, Элбекка тақовул – Шербек, қиз туғилса, Ҳурига тақовул – Нури қўйишади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАҚОЗО [*а.* تقاضاء – вақтнинг ўтиши, тугалланиш; судланиш; хоҳлаш, қатъий талаб (этиш)] Бирор ҳолатдан, вазиятдан келиб чиқадиган талаб. *Замон тақозоси. Ҳаёт тақозоси.* ▬ *Тақдир тақозоси билан Акмал шаҳарда яшаб қолди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Козим энди хизмат тақозоси билан Ширинбулоқдаги баъзи ишларни адолат қилгани кетяпти.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Тақозо қилмоқ *(ёки* **этмоқ***)* Шундай бўлишини талаб қилмоқ, кўрсатмоқ. *..Меъмор ҳозирги ёшларнинг эҳтиёткор ва пухталигини кўриб тааажжубланар, замон шуни тақозо қилаётир, деб ўйларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..Абдураҳмонни топиб айт, бор одамларни шаҳардан тезда кўчирсин, фурсат чекинишни тақозо этади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ТАҚРИБАН [*а.* تقريباً – ҳақиқатга яқинроқ; тахминан, қарийб] Тақрибий равишда, тахминан. *Масалани тақрибан ҳал қилмоқ. Тақрибан ҳисобламоқ.*

ТАҚРИБИЙ Жуда ҳам аниқ эмас, лекин ҳақиқий қийматга энг яқин. *Тақрибий сон. Тақрибий ҳисоблашлар.*

ТАҚРИЗ [*а.* تقريظ – рецензия ёзиш; бирор китоб (асар)ни мақтаб ёзиш] Илмий, бадиий ва б. турдаги асарга танқидий нуқтаи назардан берилган ёзма баҳо, таҳлил. *Саидий бунга катта бир тақриз ёзиб, Улфатни пролетар мафкурасини ўзлаштириб етмаганликда айблади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Икки йил ўтгач, унинг асарлари тақризларда, адабий-танқидий мақолаларда тилга олинади-*

ган бўлди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ТАҚРИЗЧИ Тақриз ёзган ёки ёзадиган шахс; тақриз муаллифи. *Санжар Сиддиқов.. тарихчи, публицист, таржимон, тақризчи, санъатшунос, педагог эди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ТАҚРИЗЧИЛИК Тақриз иши. *У* [*Аъзам Аюпов*] *тақризчиликнинг ҳамма турларида икки юзга яқин катта, кичик мақолалар ёзди.* Х. Ёдгоров, Боқий умр.

ТАҚРИР [*а.* تقرير – қарор қилиш; қарор бериш; маъруза, ҳисобот; билдириш, хабар бериш] *эск. кт.* **1** Хат, мактуб, нома; ёзма асар. *Аммо бу тақрирни.. муайян қатли ом соати етмагунча.. пўшида* [*яширин*] *тутилмоғи маъқулдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёзма таҳлил; илмий текшириш.

Тақрир бўлмоқ Ёзилмоқ, ёзма ҳолда яратилмоқ. *Навоий ҳар асарким қилса таҳрир, Бўлибдур Андижон лафзида тақрир.* Ҳабибий. **Тақрир қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) ёзмоқ, хат ёзмоқ; мактуб юбормоқ. *Муштум почча! Тушимни сизга тақрир қилиб.. таъбир айтиб беришингизни сўрайман.* «Муштум»; 2) фойдазиёни ҳақида мулоҳаза юритмоқ, ўйлаб кўрмоқ; таҳлил қилмоқ. *Азизим, ростгўй, бир сўзли бўл, ёлғонни касб этма, Киши тақрир этарда чин-чину афсона-афсона.* Ҳабибий; 3) муносиб кўрмоқ, лойиқ деб билмоқ, қисмати, тақдири деб белгиламоқ. *Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир, Кел, бугун бу захмингга маърифатни дармон қил.* Ҳамза.

ТАҚСИМ [*а.* تقسيم – қисмларга ажратиш, бўлиш; авраш; ёлвориб сўраш] **1** Қисмга, улушга бўлиш; бўлиш. *Иш тақсими. Даромад тақсими.* ▬ *Қазув тақсими бой учун ҳам, камбағал деҳқон учун ҳам баравар бўлиб, минг таноб ери борга ҳам, чорак таноб ери борга ҳам бир эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кам қўлл.* Бўлинган қисм; улуш. *Экканда, тикканда ғойиб Ҳошимбой хирмонда ҳозир бўлар, ҳосилнинг учдан икки тақсимини ўзига оларди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *эск. мат.* Бўлиш амали, бўлиш. *Уч тақсим олти* ($^{3}/_{6}$) *икки бўлади.*

Тақсим сон *тлш.* Бўлак, улуш ифодалайдиган сон. Мас., *бештадан, учтадан.* **Тақсим қилмоқ** (*ёки* **этмоқ, айламоқ**) 1) қисмларга, улушларга бўлмоқ, ажратмоқ; ҳар жойга, ҳар кимга ўз улушини, тегишини ажратиб бермоқ. *Шундан сўнг улар ўртасида иш тақсим қилинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..боя жўякларга чим босиб, сув тақсим қилаётганда, кийимлари шилта бўлиб кетса ҳам, бир оғиз индамади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Аслида тупроқни одил табиат Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.* А. Орипов, Юртим шамоли; 2) *мат.* бўлиш амалини бажармоқ, бўлмоқ. *Берилган сонни бешга тақсим қилмоқ.*

ТАҚСИМЛАГИЧ *тех.* Машина, механизм, мотор ва ш.к. да газ, буғ, электр энергияси ва б. нинг юришини, оқишини тартибга соладиган қисм, мослама. *..Ўзбекистондан юборилган щчитли тақсимлагичлар ва включателлар ишлаб турибди.* Газетадан.

ТАҚСИМЛАМОҚ 1 Тақсим қилмоқ. *Даромадни тақсимламоқ. Кадрларни тақсимламоқ. Совғалар болаларга тақсимлаб берилди.* ▬ *Осон ишда лаззат бўлмайди, Адолат. Кундузи билан ер тақсимлаймиз. Кечаси қарор ёзилади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Мавлон ака нонушта устида бугун қилинадиган ишларни оила аъзолари ўртасида тақсимлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Элмурод.. взводларни тақсимлаб, тезда окоп қазишга буюрди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *эск. мат.* Бўлиш амалини бажармоқ, бўлмоқ. *Мингни бешга тақсимламоқ.*

ТАҚСИМОТ [*а.* تقسيمات – «тақсим» с. кўпл.] Бўлак ва улушларга ажратиш, тақсим иши; тақсимлаш, бўлиш. *Даромад тақсимоти. Меҳнат тақсимоти. Тақсимот механизми.* ▬ *Ўқишни битирганимдан сўнг, тақсимот бўйича юборишганди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Назар сув тақсимоти ҳақида бош қотириб ўтирарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Тақсимот комиссияси Комилжонга районга.. йўлланма берганини эшитиб, онанинг фиғони фалакка чиқди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТАҚСИМЧА Ясси, юза идиш; ликоп. *Ўчоқбошидан бир тақсимчада қовурилган жигар билан майда тўғралган пиёз юборишди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Нозикхон иккита чуқур тақсимчада норинни уйиб олиб кирганда, суҳбат бўлинди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ТАҚСИР [*а.* تقصير – қисқартириш, камайтириш; камчилик; сусткашлик, бепарволик] *эск.* Амалдорларга, бой ва муллаларга ҳурмат билан мурожаат шакли. [*Мулла-*

дўст:] *Тақсирим, бизнинг тожи давлатимиз жанобингиз-да.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *-Гапингиз нуқул ҳақиқат, тақсир, — деди Олчинбек..* К. Яшин, Ҳамза.

ТАҚ-ТУҚ «Тақ» ва шунга яқин товуш(лар)ни билдиради *Тақ-туқ қилиб ишламоқ. Ғилдиракларнинг тақ-туқи.* ▬ *Салтанат.. пошнаси баланд туфлиси билан полни тақ-туқ босиб, давранинг ўртасига чиқди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

ТАҚЧИЛ Кам бўладиган, кам топиладиган, етишмайдиган; камёб, камчил. *Тақчил мол. Тақчил хомашё.* ▬ *Шу иншоотларни ишга тушириш.. сув тақчил ерларни сув билан таъминлашни анча яхшилашга.. имкон беради.* Газетадан.

ТАҚЧИЛЛИК 1 Етишмаслик ҳолати, тақчил ҳол. *Ёғоч, тахта тақчиллиги.* ▬ *Республикамиз суғорма деҳқончилигида маълум даражада сув тақчиллиги сезилиб туради.* «Фан ва турмуш».

2 *иқт.* Илгари белгиланган, режалаштирилган ёки зарур даражадаги маблағ, ресурс, товарларнинг етишмаслиги, танқислиги; дефицит. *Товарлар тақчиллиги. Бюджет тақчиллиги.*

ТАҚЯ [*а.* طاقيه — эҳтиёткорлик; яшириш, бекитиш] *эск.* Сидирға матодан тайёрланган гулсиз дўппи. *Шоирнинг бошида учли кўк тақяга силлиқ ўралган кўркамгина салла.* Ойбек, Навоий. *Бир оздан кейин эс-ҳушини йиғиб олиб, оёқ товуши келаётган томонга қаради ва эркак киши эканини билиб, тақя устидан ўралган кичкина шол рўмолини юзига тортди.* Ойдин, Суҳбати жонон.

ТАҚҚА Баъзи нарса, ҳаракат ва ш.к. нинг бирдан, бутунлай, батамом юз беришини кучайтириб, таъкид билан билдиради. *Отлар кўприк олдида таққа тўхтади. Ариқда сув таққа тўхтади. Огриқ таққа тўхтади.* ▬ *Алимардон тормозни таққа босди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бойваччанинг важоҳатини кўрган хизматкорлар турган жойларида таққа қотиб қолишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ёмғир ёға бошласа, иш таққа тўхтайди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *..осмондан сўнгги томчилар тушиб бўлиб, чақмоқ ҳам таққа тўхтади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТАҚҚОС [*а.* تقّاس — кўз билан ўлчаш, чамалаш; қиёслаш, чоғиштириш] Ўзаро солиштириш, чоғиштириш; қиёс. *Гул дея атабсан севган ёрингни, Гўзал туюлгандир сенга бу таққос.* Уйғун.

Таққос қилмоқ Бир-бирига қиёс қилмоқ, солиштирмоқ, таққосламоқ. *Бу ўзгаришларни бирор нарсага таққос қилиш қийин. Эллар, юртлар, одамлар ўзгарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАҚҚОСЛАМОҚ Қиёсламоқ, солиштирмоқ, чоғиштирмоқ. *Фактларни таққослаб кўрмоқ. Таққослаб бўлмайдиган юксак суръатлар.* ▬ *У.. тор йўлнинг ҳар икки томонидаги ғўзаларни таққослади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *У ўзича ҳар икки қишлоқни бирбирига таққослаб кўрди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Олтмиш йил оламни қилиб томоша, Нимани кўрибман — таққослаб ёздим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТАҒАЙЮР [*а.* تغير — ўзгариш, бошқа тусга кириш; ўзгарувчанлик] *эск. кт.* Ўзгариш, тусини ўзгартиш, ўзга тусга кириш. *-Ҳолингизда тағайюр кўраман, ўтиринг, — жой кўрсатди Соҳиб Доро.* Ойбек, Навоий.

ТАҒИ *с. т.* Тағин, яна. *Шомуроднинг аччиғи келиб, Чандана чолга тағи бир сўз айтиб турган экан.* «Ёдгор». *Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча, Тоқатим йўқ тағи гул очилгунча.* «Равшан».

ТАҒИН *рвш* **1** Бунинг устига, бундан ташқари, устига-устак; яна, *Тағин бир-икки киши гапириб, янги раҳбардан мамнун эканликларини изҳор этишди.* Н. Аминов, Суварак. *Ферузнинг имоси билан тағин уч-тўрт сипоҳи унга шукрона келтирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ундан кейин тағин бир йиғилишга боришга тўғри келади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Такрор марта; қайтадан, яна. *Бир пайт бурчакдан, охур томондан тағин шитирлаш эшитилди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Ўртада тағин сўзсизлик, ўнғайсизлик бошланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *юкл. взф.* Таъкид, ҳадиксираш каби маъноларни билдиради. *«Тағин Тошкентдек азим шаҳарда танноз қизлардан биронтасига кўнгил бериб қўйган бўлмасин», деган ваҳима босди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Мен сени шаштингдан қайтариб қўйган бўлмай тағин..* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАҒОЙИ *эск. кт. айн.* **тоға.** *Алишернинг тағойилари Ҳусайн Бойқаро ҳазратларининг яқин одамлари бўлганлар.* Ойбек, Навоий.

ТАҒОФИЛ [*а.* تغافل – ўзини эътиборсиз, бепарво, беғамликка солиш; билиб билмасликка олиш] *кт.* Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш; ғофиллик. *Бир табассум бирла сайд этдинг кўнгилни аввало, Охири нозу тағофил бўлди иш, эй дилрабо.* Ҳабибий.

Ўзини тағофилга солмоқ Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олмоқ. *Гарчи муддао кун каби ошкора бўлган бўлса ҳам, нима учундир қутидор яна ўзини тағофилга солиб сўради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАҲАЙЮР [*а.* تحيّر – ҳайрон бўлиш, тонг (қойил) қолиш; хижолат бўлиш; довдираш] *эск. кт.* Жуда ҳам ҳайрон бўлиш, нима қилишни, нима дейишни билмай қолиш; ҳайронлик, ҳайрат. *Бу сўзни эшитиши билан чол таажжуб ва таҳайюрда қоладир.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ТАҲАММУЛ [*а.* تحمّل – зиммасига олиш; бошдан кечириш; тоқат, сабр, чидам; тўзим] *эск. кт.* Қийинчиликка бардош бериш; чидаш; чидам, сабр, тоқат. *Ҳар қандай ташқи душман унинг [Ҳусайн Бойқаронинг] ерига босиб кирса, ҳар қандай бек исён кўтарса, у қайғурмас, ёлғиз ғазабланар, ҳам таҳаммул ва сабот билан сафар чораларини кўрар эди.* Ойбек, Навоий.

Таҳаммул қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) бардош бермоқ, чидамоқ, сабр-тоқат қилмоқ; сабр-тоқат билан кутмоқ. *Бек.. яна ярим соатга таҳаммул қилсангиз, ошни еб, йўлга тушасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кифояланмоқ. *Тушда иштаҳа бўлмай, қовун билангина таҳаммул қилганларидан, қорин оч, бунинг устига-устак, жазирама офтоб.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ТАҲ-БАТАҲ [*ф.* تهبته – остма-ост; қаватма-қават] *кам қўлл. айн.* **қатма-қат**. *Кўнгилни ғунча янглиғ таҳ-батаҳ қон айладинг кетдинг.* Муқимий. *Ой, юлдузлар таҳ-батаҳ, Ёйилганда оқшомги салқин..* Р. Бекниёз, Мовий тўлқинлар.

ТАҲДИД [*а.* تهديد – дўқ қилиш, қўрқитиш] *кт.* **1** Қўрқитув, дўқ, пўписа. *Гулнорнинг заҳарланганини Мирзакаримбой ва ўғиллари қатъиян рад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналарининг тилларини дўқ, таҳдид билан муҳрлашга тиришдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нусратилла меҳмоннинг кўзига қараб туриб, таҳдид билан айтди: -Чиқиб кетинг!* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Таҳдид қилмоқ Таҳдидли хатти-ҳаракат қилмоқ, дўқ-пўписа қилмоқ. *У Ҳамидани чақириб олиб, Ҳайдарга таёқ билан таҳдид қилиб қўйди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. -*Йўқол, кўзимга кўринма! – бек овозини кўтариб таҳдид қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Бирор фалокатнинг, қўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи; хатар, хавф. *Таҳдид солмоқ.* ▬ *Биламан, ҳаётим таҳдид, хатарда.* У. Қўчқоров. *Бу пунктда барқарор бўлган армия кучлари душманнинг сўл қанотини катта таҳдид остида қолдирганди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТАҲДИДЛИ Таҳдид солувчи, қўрқинчли, хавфли; таҳдид ифодаловчи. *Замира бошини кўтариб, унинг кўзидаги заҳарли олов бугун жуда таҳдидли эканини кўрди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Баширжон қоғоздан кўз узиб, чолга таҳдидли тикилди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ТАҲЛИКА [*а.* تهلكه – ҳалокат, ўлим; йўқ бўлиш, завол] Бирор фалокат, ҳалокат, бахтсиз ҳодисанинг содир бўлиш хавфи туғилган ташвишли ҳолат, шундан қўрқиш (чўчиш) ҳисси. *Сел таҳликаси эсон-омон ўтди.* ▬ *Аҳмад Ҳусайнни кўриш биланоқ ҳар гал қўрқув ва таҳликани унутса-да, юрагининг бир чеккаси ҳамиша ғаш бўлар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Беш кунлигим борми, йўқми, уни таҳлика остига қўйиб нима қиламан.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *..бояги таҳлика хаёлидан узоқлашиб, қалбида илиқ туйғулар уйғонди.* П. Қодиров, Бобур.

ТАҲЛИКАЛИ Бирор фалокат, ҳалокат, бахтсиз ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли, хавфи бўлган, таҳликага солувчи, хавфли. *Таҳликали кунлар ўтиб, қиз ўзига келди-ю.. гул япроғидек юзининг чўтир бўлганини пайқаб, яна ўзини йўқотди.* С. Шамсиева, Шифокор. *Андижон кўчалари таҳликали бир сукутга чўмган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТАҲЛИЛ [*а.* تحليل – тарқалиш, (куртак) ёзиш; текшириш, суриштириш; ҳал қилиш, очиш] **1** Нарса, ҳодиса ва ш.к. ларни моҳият, қонуният ва б. жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши. *Илмий таҳлил. Эстетик таҳлил.* ▬ *Фан учун тажриба ва фараз, қиёс ва таҳлил жуда зарур.* А. Раҳмонов, Ҳурмат-эҳтиром. *Адабий танқид эса илмий тадқиқот ва таҳлил йўли билан яратган янги-*

ликларини ўзи жорий қилади. У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Бирор нарса, маълумот ва ш.к. ни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш. *Эртаси кун чўлни яна қадамлаш бошланди. Яна ўлчаш, суратга олиш, таҳлилларни дафтарга кўчириш давом этди.* Р. Ўроқов, Қарши чўлида. *Менимча, бу тўғрида* [*мактуб ҳақида*] *ҳеч қандай таҳлилнинг лозими бўлмаса керак. Чунки бунинг аҳамияти ҳаммамизга маълум.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

3 Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш. *Кимёвий таҳлил. Лингвистик таҳлил. Сўзнинг морфем таҳлили. Синтактик таҳлил.*

Таҳлил қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Таҳлил ишини бажармоқ, таҳлилий иш ўтказмоқ (**таҳлил** ҳар учала маъносида). *Нотиқ ўз сўзининг асосий қисмини юбилярнинг ижодий-илмий фаолиятини чуқур таҳлил қилишга бағишлади.* «ЎТА». *Аммо мана шу зиддиятларни чуқурроқ таҳлил қилишга ҳали халқнинг онги етмасди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ишларни таҳлил қилиб, керакли ташкилотларга қўнғироқ қилди.* С. Нуров, Нарвон. *Сўзни синтактик таҳлил қилганда, синтактик ҳодисалар, синтактик бирликлар, уларнинг типлари, ифода материали ва шу кабилар белгиланади.* «ЎТА».

4 *дин.* Дафн маросими олдидан марҳум тепасида давра олиб, тиловат қилиш.

ТАҲОРАТ [*а.* طهارت – тозалик, поклик, ювиниб тоза бўлганлик; ҳожатдан сўнг сув билан тозаланиш] *дин.* Ибодат қилиш, намоз ўқиш, қуръон тиловат қилиш олдидан бет, қўл, оёқ ва б. аъзоларни ювиш, покланиш, шундай покланган ҳолат. *Таҳорат қилмоқ (олмоқ).* ▬ *Сўфи азонни айтди, гарчанд таҳоратим бўлмаса ҳам, кириб жамоат билан намоз ўқидим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Эшон ая ичкарига ўрин солиб, обрез олдига обдастада таҳорат суви қўйиб, меҳмонхонага чиқди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳозир таҳорат олдим. Намози жумани ўқиб олай.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Таҳорат ушатмоқ (*ёки* **синдирмоқ**) Ёзилмоқ, бўшалмоқ; ҳожатга бормоқ. *Меҳмонлар ўринларидан туриб, увушган оёқларини уқалаб, керишиб, ким қўл ювишга, ким таҳорат ушатишга тарқалди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАҲОРАТХОНА [таҳорат + хона] **1** Таҳорат олиш, ювиниб покланиш учун мосланган махсус хона. *Масжид таҳоратхонаси.*

2 *с. т.* Ҳожатхона, халохона. *Никоҳ-никоҳда, ош-ошда қолиб, куёвни қидириб кетганлар. Ниҳоят, ярим кечада ҳаммомнинг таҳоратхонаси ёнидаги бир оғилнинг охуридан қонига белашиб ётгани ҳолда топганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАҲРИР [*а.* تحرير – озод қилиш; тузатиш, муҳаррирлик қилиш; ёзиш, асар ёзиш] **1** Ёзма ишни, асарни тузатишлар киритиб яхшилаш, тузатиш. *Мақола таҳрирга берилди. Асар таҳрирдан чиқди. Китоб профессорнинг таҳрири остида босилди.* ▬ *Тўпламдаги.. айрим мақолалар таҳрирга муҳтож.* Ф. Абдуллаев, Икки хил ёрдам.

Таҳрир қилмоқ Таҳрирдан ўтказмоқ. *Замира оқшомлари Очил билан бирга ишлашни, у ёзган, таҳрир қилган нарсаларни оққа кўчиришни тасаввур этиб, юраги гурсиллаб ура бошлади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Саидий ҳикояни бир ҳафтада тамом қилиб, Илҳомга кўргани берган эди, икки кундан сўнг уни Аббосхоннинг қўлида таҳрир қилинган ҳолда кўрди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Таҳрир ҳайъати** Китоб, журнал, газета ва ш.к. нинг нашрини тайёрловчи, унга илмий-методик раҳбарлик қилувчи кишилар гуруҳи. *Луғатнинг таҳрир ҳайъати аъзолари.*

2 *эск.* Ёзиш, ижод қилиш. *«Нуқта лаб устида бежодур», дедим, айди кулиб: «Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда.»* Фурқат. *Аризани шу мажлисда, мулла Абдураҳмон ҳузурида ёзилиши мувофиқ кўрилиб, муфти таҳрирга ўтирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАҲРИРИЙ Таҳрирга оид. *Таҳририй иш. Таҳририй тузатиш. Таҳририй хато.*

ТАҲРИРИЯТ [*а.* تحريريّت] Нашриёт органларининг нашр ишларини олиб бориш, қўлёзма матнларини ишлаб, нашрга тайёрлаб бериш ва нашр жараёнида терилган матнларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш ишларини амалга оширадиган бўлими ва шундай бўлим ходимлари. *Саксонни қоралаб қолган бу инсонни, таҳририятдаги хонамга кириб келганларида, дастлаб танимадим.* Газетадан.

ТАҲРИРЧИ *с. т.* Таҳрир қилувчи, таҳрир ишларини бажарувчи; муҳаррир; мусаҳҳиҳ.

ТАҲСИЛ [*а.* تحصيل – эга бўлиш, эгаллаш; йиғиш, тўплаш; ҳосил қилиш, ўрганиш (илмни)] **1** Ўқиш, билим олиш. [*Абдишукур*] *Таҳсилини чала қолдириб, мадрасадан чиқди. Таҳсил учун Истамбул ёки Мисрга жўнаш орзуси маблағ йўқлигидан амалга ошмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммо мадрасаларда дунёвий илмлардан таҳсил бермасак, хароб бўлғаймиз.* С. Сиёев, Аваз.

2 Ўқиш мавсуми, дарс-машғулотлар даври. *Таҳсил бошланиши билан ҳар бир тўда муллаваччалар патнис ясаб.. домлаларнинг олдига олиб кирар.. эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Таҳсил қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Мутолаа қилмоқ, мустақил равишда ўқимоқ, ўрганмоқ; билим олмоқ. *Искандаро бир неча йил мактабда қуръон таҳсил қилиб, ўқиш-ёзишни ўргангандан сўнг, уйда қолган.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Билим, маълумот. *Сиз ибтидоий ва ўрта таҳсилни тамом қилгансиз.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шунча таҳсил ва тарбия берганларингиз учун раҳмат.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Лекин мадраса таҳсили уларни қониқтирмасди. Шунинг учун улар «Тараққиёт», «Хуршид».. ҳамда «Вақт» сингари газета ва журналларни ярим тунда.. мутолаа қилишга киришар эдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

Таҳсил олмоқ (*ёки* **кўрмоқ, топмоқ**) Маълум ўқув юртида ёки бирор мутахассис раҳбарлигида ўқимоқ, билим, маълумот олмоқ. *Ҳусайнбек афанди асли хоразмлик бойлардан бўлиб, Туркияда таҳсил олган.. эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ғиёсиддин Бухоронинг Девонбеги мадрасасида таҳсил кўриб юрган пайтларида отаси уни оқ қилади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳакимхон Водилий аввал Бухоро, кейин Самарқандда таҳсил топган мулло одам экан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАҲСИН [*а.* تحسين – яхшилаш, такомиллаш; тузатиш; маъқуллаш, мақташ] **1** Мамнуният билан, маъқуллаб берилган юқори баҳо; мақтов, тасанно. *Кўпчиликнинг таҳсин ва раҳматига сазовор бўлиб, яхши одам деган номга муносиб бўлиш осон эмас.* Шукрулло, Яхши хулқ – яхши ҳусн. *Ғуломжон, қозининг кўз қарашида аллақандай илиқлик, ҳатто таҳсин сезди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Таҳсин ўқимоқ (*ёки* **айтмоқ**) Кўкка кўтариб мақтамоқ, юксак баҳоламоқ, тасанно ўқимоқ. *Шаҳодат муфти унинг ақлига таҳсин ўқий-ўқий, нос чекиб, ўз жойига ўлтирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *унд. с. кам қўлл.* Балли, офарин. -*Таҳсин-таҳсин! – дейди Хатиб домла [мулла Обидга] ҳасадли таажжуб билан, – тоза ҳам пулни қирдик, денг.. Таҳсин-таҳсин!* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАҲҚИР [*а.* تحقير – нафратланиш, жирканиш; менсимаслик, ҳақоратлаш, камситиш, хўрлаш] *кт.* Хўрлаш, ҳақорат қилиш, камситиш; ҳақорат. *Ойша холанинг таҳқири ва ёлғизлик алами билан куйиниб турган Майна бармоқ учи билан бетига тушган ёш томчиларини сидириб, ўзида қандайдир енгиб бўлмас бир куч сезди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Кекса она очлик-муҳтожликда, таҳқир ва тубанликда кун сайин сўлиб, бойнинг бостирма ёнидаги қора ҳужрасида қизининг ўз қўлида жон берди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Таҳқир қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ҳақорат бўлувчи, хўрлик келтирувчи гап-сўз айтмоқ, иш қилмоқ. *У қайнота-қайнонанинг муттасил таҳқир қилишига чидай олмасди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. *Бари бир, ҳар қандай ёлғон кимнидир таҳқир этади.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

ТАҲҚИРЛАМОҚ Таҳқир қилмоқ, хўрламоқ. *..шу сохта маълумот асосида тергов бошланиши.. мени қаттиқ таҳқирламоқда.* О. Ёқубов, Излайман. *Толиб ака ҳар қандай андишани йиғиштириб қўйиб, Аҳмадни ҳар қадамда таҳқирлай бошлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАҲҚИРЛИ Таҳқир, ҳақорат ифодаловчи, таҳқирловчи; *Таҳқирли кулги. Таҳқирли пичинг.* ▬ *Мирзакаримбойнинг бундай муомаласи Йўлчига таҳқирли бўлса ҳам.. кутилмаган бир ҳодиса эмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАҲҚИРОМУЗ [таҳқир + *ф.* آمیز – ўхшаш, каби] Таҳқир мазмунидаги, ҳақорат ифодалайдиган. *Таҳқиромуз гап.* ▬ [*Америка офицерида*] *Ўзининг улуғворлиги, давлати билан кибрланадиган одамлардагина бўладиган таҳқиромуз табассум пайдо бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Аёл эрига беписанд, таҳқиромуз қаради.* Н. Аминов, Суварак.

ТАҲҚИҚ [*а.* تحقيق – бажариш, амалга ошириш; текшириш, бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, аниқлаш] *эск. кт.* Текшириш, суриштириш; аниқлаш. *Таҳқиқ, тафтиш битган куниёқ ўзим огоҳлантирурман.* Ойбек, Навоий. *Афсус, жанобларини Тошкентда учратолмадим. Таъқиб, таҳқиқ кучайди..* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТЕАТР [*лот.* theatrum < *юн.* theatron – томошахона] **1** Актёрларнинг саҳнадаги ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётий ҳодисаларни бадиий равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъатга асосланган томошалар. *Қўғирчоқ театри.* ▬ *Китоб нашр этиш, театр, кино, телевидение ва радиога катта эътибор берилаётганининг гувоҳи бўлдик.* Газетадан. *Кино, театр каби санъат турлари орасида адабиёт ҳам тарбиянинг энг фаол ва самарадор омилларидан биридир.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай санъат воситасида томошалар қўйиш билан шуғулланувчи муассаса. *Навоий номидаги опера ва балет театри. Ёш томошабинлар театри.* ▬ *-Бизнинг театр ҳали янги-да. Уста ўйновчилар йўқ, – изоҳ бера бошлади Абдишукур.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Шундай санъат намойиш қилинадиган, томошалар кўрсатиладиган жой, бино. *Театр томошабинлар билан лиқ тўлган эди. Бу ерда яна битта муҳташам театр қад кўтаради.* ▬ [*Алимардон*] *Театр этагидаги боққа киргандагина ўзига келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 *с.т.* Актёрларнинг саҳнадаги ҳаракати орқали кўрсатиладиган томоша; спектакль. *Эсингда борми, райондан театр кўриб келаётган кечамиз, аравада Сотиболди, ашула айтамиз, деб Канизакни қистади, кўнмагандан кейин, сочидан тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЕАТРЛАШТИР(ИЛ)МОҚ Бирор-бир асар ёки бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани театрда кўрсатиш учун мослаштирмоқ, қайта ишламоқ. *Театрлаштирилган томошалар. Театрлаштирилган ҳикоя. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини театрлаштириш.*

ТЕАТРУ *с.т. эск.* Театр. *Бир кунда бир саҳна учун бир кассадан ҳам театруга, ҳам картинага белат сотилди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ТЕАТРШУНОСЛИК Театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. *Ўзбекистонда театршунослик мустақил фан сифатида 20-асрнинг 50-йилларида шаклланди.* «ЎзМЭ».

ТЕБРАНГИЧ Тебраниб, ликиллаб, қимирлаб турадиган нарса. *Соат тебрангичи.*

ТЕБРАНИШ 1 Тебранмоқ фл. ҳар н. *Ғўзаларнинг шамолда тебраниши.* ▬ *Тебраниш ёки тебратиш уйқуни тезроқ келтиради.* Газетадан.

2 *физ.* Тебранувчи ҳаракат; муайян вақт оралиқларида такрорлашиб турадиган ҳаракат. *Эркин тебраниш.* ▬ *Тебраниш контури радиотехника қурилмаларининг асосий элементидир.* «Физика».

ТЕБРАНМА 1 Тебранадиган, чайқалиб турадиган. *Тебранма стул.*

2 *физ.* Тебранишдан иборат бўлган (*қ.* **тебраниш 2**). *Тебранма ҳаракат.*

ТЕБРАНМАС 1 Ликилламайдиган, қимирламайдиган.

2 *кўчма* Ўзгармайдиган, мустаҳкам. *Мусобақада ютиб чиқиш учун энг аввал ғалаба қилишга зўр хоҳиш ва тебранмас ишонч керак.* Ф. Мусажонов, Чиқинди.

3 Ўта лоқайд, парвойифалак, тепса тебранмас. *Инсон соғлиги учун шунчалик жон куйдириб, баъзи тебранмас консерваторлар билан олишиб юрган экан, демак, яхши қиз бўлса керак.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТЕБРАНМОҚ 1 Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бир текис ҳаракат қилмоқ; чайқалмоқ. *Соат капгири бир текис тебранмоқда. Салмоқдор бошоқлар шамолда майин тебранади.* ▬ *Шифтга осиғлиқ беланчак бир текис тебранаркан, токчадаги чироқ нурида ҳовли юзига узун-узун соя ташлаб ўтарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Куй бошланиб, раққоса ўйинга тушиши билан, атроф жимжит бўлиб қоладиди. Ҳамма ўтирган жойида тебранарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Умуман қимирламоқ, силкинмоқ. *Шу вақт яна бир қармоқ ёғочи тебраниб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Нотекис ҳаракат қилмоқ, у ёқдан бу ёққа чайқалиб юрмоқ, лапангламоқ. *Машина шаршара кўпригидан ўтиб, катта шағал йўлга тушгач, ўнқир-чўнқир жойларда тебрана бошлади.* И. Раҳим, Ихлос.

4 Жойидан қўзғалмоқ, қимирлаб қўймоқ; жилмоқ. *Ўтирганлар бир тебраниб олишди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *..бойвачча хотинининг икки*

қулоғига чанг солди. Шаҳзодахон жойидан тебранмади. К. Яшин, Ҳамза.

5 *кўчма* Жойидан бўшаб, путурдан кетиб, қимирлайдиган, лиқиллайдиган бўлмоқ, омонат бўлиб қолмоқ. *Оқ подшонинг тахти тебрана бошлади.* ▬ *Шаҳри вайрон бўлса, султон тебранар.* «Муродхон».

6 *кўчма* Амал-тақал билан юриб, ўтиб турмоқ (рўзғор, ҳаёт ва ш.к. ҳақида). *-Бозорлар яхшими? -Бир нави.. ҳарчи тириклик тебраниб туради, ука!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қишлоқ каттакон бўлгани учун, бу иш ҳам ёмон бўлмади, рўзғоримиз тебраниб турди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

ТЕБРАТМОҚ 1 Тебранма ҳаракатга келтирмоқ, бир текисда у ёқ-бу ёққа чайқалтирмоқ; умуман қимирлатмоқ. *Бошни тебратмоқ. Бешикни тебратмоқ.* ▬ *Майин тонг шабадаси ранг-баранг гулларни секин тебратиб, атирларини ҳар ёққа сепади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Узун сариқ капгирини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта девор соат узиб-узиб данғиллай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Жойидан қўзғатмоқ, бирор томонга сурмоқ, силжитмоқ, қимирлатмоқ. *Уни ҳеч тебратиб бўлмайди, шунақанги оғир карвон.* ▬ *Амир Бадриддин.. кучли ҳамлалар билан душманни аста-аста тебратиб, ҳаракатдан маҳрум қилишга тиришарди.* Ойбек, Навоий.

3 *кўчма* Ларзага келтирмоқ, солмоқ. *Мен гапимни тамом қилиб, эндигина блиндажга тушиб кетмоқчи эдим, қандайдир снарядларнинг чинқириғи қулоққа хунук эшитилди ва бирин-кетин гумбурлаб, ўрмонни тебратиб юборгудек бўлди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

4 Бирор ишни олиб бормоқ, юргизмоқ. *Оилани тебратмоқ.* ▬ *У* [*Маҳмуд Торобий*] *..саҳардан то шомгача меҳнат қилиб, катта рўзғорини тебратиб турарди.* М. Осим, Маҳмуд Торобий. *Икки ўғил уйни гулдай тебрата бошлади.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *Бундан кейин деҳқончиликни билимсиз тебратиш қийин-да.* Ҳ. Назир, Энг муҳими. *Гапига гап топиб беролмай, сувга тушган мушукдай бир чеккада ўтиришлик ҳолинг бор экан, идора тебратиш сендақага йўл бўлсин.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

Қалам тебратмоқ Ижод қилмоқ, ёзмоқ. *Маъруф Назаров кинематография, драматургия ва қўшиқчилик соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Ёзувчи қандайдир таниш манзарани, таниш шахсни кўз олдига келтириб туриб, қалам тебратади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ТЕВА *айн.* **туя.** *Қатор теваларга сепини ортиб, Мардликнинг юртига етук қиз келди.* Ғ. Ғулом. *Бир қултум сув битта ҳаёт билан баб-баравар бўлган, битта тева нажот бўлиб кўринган тақирлар ахир шу чўлнинг ўзи эмасми?* А. Пўлат, Чўлдаги машъал.

ТЕВАЛАШМОҚ *шв.* Жанжаллашиб уришмоқ. *Тезаги билан тевалашадиган Эгамберди подачи бекор юриб ҳоримайдиган, кўса бўлиб қаримайдиганлар хилидан эди.* Н. Қобил, Унутилмас соҳиллар.

ТЕВАНА(К) *қ.* **тегана**. [*Маҳсидўзнинг*] *Бошқоронги бўлган хотини «Анор олиб келинг», деб унга сира тинчлик бермайди.. тантиқлик ва ноз билан бир унинг қўлидан теванагини тортиб олади, бир ипини узади.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

ТЕВАРАК 1 Кузатувчи, сўзловчига ёки бошқа шахс, нарсага нисбатан ҳамма ёқ, томон, жой, атроф. *Тевараккa кўз югуртирар экан, Олимовнинг ҳам пешонаси тиришиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Яна теваракдан одамлар тўхтовсиз равишда бу ерга келмоқда эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сувонжон теваракни қоплаб олган қоронғиликка қўрқинч тўла кўзлари билан тикилар, бутун вужуди билан ўз нидосига бирор жавоб кутарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бирор нарсанинг гир атрофи, айланаси. *Ҳовузнинг теварагида тераклар ўсган.* ▬ *Ўзининг.. теварaги текис қилиб қирқилган қора соқол ва чиройли мўйлови.. билан замонасининг қорни катта бойларига сира ўхшамаган Тешабой ҳам одамлар назаридан четда эмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Хилма-хил ёввойи гуллар теварагида ранг-баранг капалаклар базм қуради, асаларилар ғувуллайди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 *кўчма* Бирор шахс, гуруҳ, куч ва ш.к.нинг бирлаштирувчи доираси, атрофи. *У* [*Қудрат*] *ўз теварагига Ғуломжон, Замон, Барот полвон сингари ёру дўстларини йиғиб, уларнинг ёрдам ва мададлари билан қишлоқ мазлумларининг ҳақ ва ҳуқуқларини қўлидан келганича ҳимоя қилиб, уларга балогардон бўлиб келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Атрофида бўлган, атрофидаги. *Ёлғиз Тиктепа қишлоғидагина эмас, теварак қишлоқларда ҳам мулла Обиднинг эртаги экиндаги муваффақияти оғиздан оғизга юриб кетди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Теварак боғларда тўлади япроқ, Меҳнаткаш дарахтлар тиклайди қаддин.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

5 *кўм. взф. кам қўлл.* Атрофида. *..ваҳима ва таҳликали ҳолга қирқ ёш теварагида тушганидан далолат беради.* Газетадан.

ТЕВАРАКЛАМОҚ *с.т. кам қўлл.* Атрофлаб, ҳар томондан ўраб олмоқ; қуршамоқ. *Кўзини очсанг, шунча халқни кўрар, тевараклаб турган жаллод — мирғазабни кўрар.* «Равшан».

ТЕВАТ *шв.* Ит. *Теватга суяк ташлаганингдан кейин ўз ҳолига қўй, қандай ғажиса, шундай ғажисин.* «Қанотли сўзлар». *Тўрт томон елига кўкраги очиқ, Эшакдай тeват ҳам ётибди беун.* Миртемир.

ТЕГ *с.т.* Таг. *Катта толнинг тегида Совур нонвойнинг дўкони бор.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Кимсан — Мирзакаримбой теги паст, қашшоқ қизга уйланса, мен қандай чидайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЕГАЖАК Бировнинг аччиғини, жаҳлини чиқариш учун атайлаб тегишувчи, тегажаклик қилувчи, шундай хусусияти кучли. *Ўзи шўх бўлгани учун, Раънога шўх, тегажак йигитлар кўпроқ ёқарди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ТЕГАЖАКЛИК Бировнинг аччиғини, жаҳлини чиқариш учун атайлаб тегишиш, ҳазиллашиш. *Нури.. йигитларга ҳазиллашишни, тегажакликни яхши кўрар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Анвар гўштни тўғраб, яна тегажакликни бошлади: -Тўйинглар қачон, ҳай қиз?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Тегажаклик қилмоқ Ҳазил-ҳузул билан, ўйнашиб тегишмоқ. *Ҳароми, нуқул бизга тегажаклик қилади.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТЕГАЖОҒЛИК *айн.* **тегажаклик.** *Ҳазил-ҳузулни яхши кўрадиган Карим қори уста Мақсудга тегажоғлик қилиб: -Устоз Саъдий бизнинг уста Мақсудни кўрмаган эканлар-да, — деди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТЕГАНА I *махс.* **1** Пойабзал қолипининг устки ва остки қисми орасига қоқиладиган пона.

2 Чарм ва ш.к. қалин-қаттиқ нарсаларни тикишда ишлатиладиган катта йўғон игна.

ТЕГАНА II **1** *махс.* Тегирмон тошлари орасидан чиқаётган ун тушиб йиғиладиган гардишсимон жой.

2 Отларда бўладиган, тери остини шишириб, қабартирадиган касаллик.

ТЕГАРЧИК *шв.* Арава ғилдирагининг гардиши, тўғини. *Сидиқжон енги ва этакларини қоқди, отни чиқариб, араванинг тегарчигига боғлади-да, бостирмага кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЕГДОР *с.т.* Тагдор, тагли, тубли. *Тегдор, обрўли бой экан, лекин кундошлик ёмонда.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТЕГИЗМОҚ 1 Тегмоқ фл. орт. н. *У машинага ҳеч кимни тегизмайди. Мерган ўн ўқнинг ҳаммасини нишонга тегизди.* ▬ *Отабек.. Кумушнинг манглайига қўлини тегизди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Гап тегизмоқ *қ.* **гап** I. **Курагини (***ёки* **елкасини, ёнбошини) ерга тегизмоқ** Курашда, беллашувда енгмоқ, ғалаба қилмоқ. *Ҳеч бир Хуросон паҳлавони.. ҳали унинг [Муҳаммад Саид паҳлавоннинг] ёнбошини ерга тегизган эмас.* Газетадан. **Тил тегизмоқ** *қ.* **тил 3. Қўл тегизмоқ** *қ.* **қўл.**

2 *кўчма* Гапнинг мазмунини кимсага қаратмоқ, гап билан кимсага танбеҳ, дашном бермоқ. *-Қўйнидан тўкилиб, қўнжига тушган, — Ўтап Бўронбекка тегизиб пичинг отди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТЕГИНМОҚ *кам қўлл.* Дахл қилмоқ, тутинмоқ; гап-сўз ёки қўл билан тегмоқ. *Эшикни очса ҳам, идиш-товоқларга тегинса ҳам, тарс-турс, қарс-қурс қилиб, кимдандир ўч олаётгандай бўларди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Ҳолин билмай, ҳар ким ҳалок бўлади, Ким бунга тегинса, тайин ўлади.* «Алпомиш».

ТЕГИРМОН Ғаллани, донни янчиб ун қилиш учун мосланган, махсус қисмлардан иборат, сув, шамол, электр энергияси ва ш.к. кучи билан ишлайдиган қурилма. *Сув тегирмон. Шамол тегирмон. Тегирмон тоши. Тегирмонга дон олиб бормоқ.* ▬ *Сой бўйида беҳисоб дарахтлар орасига кўмилган тегирмон гувуллар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Ирмоқлар анҳорларга қўшилиб, тегирмон, обжувозларни ҳаракатга келтиради.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Шундай қурилма жойлашган бино, жой. *Менга қара, чопиб тегирмонга бориб кел! Озгина буғдойга ун алишиб келасан.* С. Сиёев,

Ёруғлик. *Тегирмон Шўхсойнинг бўйида жойлашган эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

Бир тегирмон сув Бир тегирмонни юргизишга етарли сув. *Илгари канал тўғрисида гап бўлганда, Сидиқжон уни бирон тегирмон сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бошида тегирмон тоши юргизмоқ** Жуда қаттиқ қийнамоқ, азоб бермоқ, жабр-зулм ўтказмоқ. *..этларимни ништар билан тилсинлар.. бошимда тегирмон тоши юргизсинлар! Мен сиздан ажралмайман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Тегирмон боши** Тегирмон жойлашган жой. *Ҳайдар ота шу ўй билан тегирмон бошига етганини ҳам билмай қолди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Тегирмон навбати билан** Ҳар қандай ишнинг ўз муддати, бунда ҳар кимнинг навбат билан келадиган тартиб ўрни бор (бўлади), деган маъноли ибора. *Нега шошасиз, тегирмон ҳам навбати билан.* **Тегирмон тоши** Тегирмонда донни эзиб майдалаш, ун қилиш учун ишлатиладиган, махсус тайёрланган тош. *..бир ўғил билан ерга михланиб ўтиравериш, тегирмон тошидек, уни кун сайин эзиб юборарди.* Д. Нурий, Осмон устуни. **Тегирмон қилмоқ** (*ёки* **тортмоқ**) Донни тегирмонда ун қилмоқ. *Отамнинг дўсти Маҳкамбой ака тегирмон қилдириб қўйган чакса зоғора унни орқалаб, орқамга қайтдим.* С. Абдулла, Ёшлик йилларим. **Тегирмонга тушса, бутун чиқади** Ҳар қандай ноқулай, ёмон ҳолатдан қутулишнинг йўлини топадиган, уддабурон маъноли ибора. *Тинчлан, қизим.. у келади. Келадиган вақт бўпқолди. Отамурод — тегирмонга тушса, бутун чиқадиган йигит.* М. Мансуров, Ёмби. **Тегирмонига сув қуймоқ** Кимсанинг бирор иш-фаолиятига (одатда, салбий деб қаралувчи ишига) кўмаклашмоқ, унга куч бермоқ. *Наҳотки дўст билан душманни ажратолмайсиз. Наҳотки муттаҳамларнинг тегирмонига сув қуйганингизни сезмасангиз!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТЕГИРМОНЧИ Тегирмон эгаси, хўжайини ёки тегирмонда ишлайдиган киши. *Сафарали — бизнинг тегирмончимиз. Жуда қизиқ йигит.* А. Қаҳҳор, Картина. *Эшик очилиб, юзлари оппоқ чанг тегирмончи йигит кириб келди.* Н. Ёқубов, Кўнгил пиёласи.

ТЕГИРМОНЧИЛИК Тегирмонда ишлаш, тегирмончи иши, касби. *Тегирмончилик унга ота мерос, эртаю кеч тегирмон атрофида айлангани айланган.* А. Қаҳҳор, Картина.

ТЕГИШ 1 Тегмоқ фл. ҳар. н. *Экспонатларга тегиш ман қилинган. Нафсониятга тегиш. Жиғига тегиш.* ▬ *Осонми, киши нима бўлишини билмайди, бош ёстиққа тегиши бор.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *Аҳмаднинг бўлимга фойдаси кўп тегиши мумкин, қобилиятли бола..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Расамадда, тақсимотда кимсага тегадиган улуш, ҳисса. *Матқовулнинг тегиши бўлса ҳатто қарзларини ҳам қоплаёлмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Насиба, ҳақ. *Ҳаммаси сизнинг тегишингиз, ҳеч кимга қараманг. Балиқни олинг!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Хонтахта устида нон кесиб, болаларнинг тегишини алоҳида-алоҳида қилиб тайёрларкан, кўчада аллакимларга гапираётган Абдуҳафизнинг овози эшитилди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТЕГИШИНЧА *кам қўлл. айн.* **тегишли 3.** *Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари тегишинча туманга бўйсунувчи шаҳар ҳамда шаҳардаги туман бюджетини ва унинг ижросига доир ҳисоботларни ҳам тасдиқлайдилар.* Газетадан.

ТЕГИШЛИ 1 Талабга, вазиятга, қонун-қоидага ва ш.к. га мос, мувофиқ; шу жиҳатдан керак, лойиқ, лозим бўлган. *Тегишли хулоса чиқармоқ. Тегишли чораларни кўрмоқ. Тегишли ҳужжат кўрсатмоқ.* ▬ *Бу хабарни профессорга билдирдим, ундан тегишли консультация олдим.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. *Элмурод ҳам унинг феълини билиб, ҳар бир саволига тегишли жавобни бериб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Пахтакорларнинг ҳамиша ўз сўзларининг устидан чиқиши учун тегишли шароит ҳам яратиб берилиши лозим.* Газетадан.

2 Кимса ёки нарсага қарашли, алоқадор, тааллуқли бўлган. *Уларнинг* [*хотинларнинг*] *чағир-чуғур аралаш қаҳқаҳалари ҳовлини янгратади. Гулнорга тегишли тўрдаги бир уй, бир айвон жимжит.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўстон, бу гап сенга тегишли.* С. Зуннунова, Янги директор. *Абдулазиз, ўғиллари отларни суғориб, араваларни шай қилиб қўйганини, карвонсарой соҳиби ҳам унга тегишли одам эканини.. айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор. -*Дадам ҳар кишининг ўзига тегишли гапни айтадилар, — деди Онабиби Бозорқулга.* А. Мухтор, Чинор.

3 Дахли бўлган, муайян, белгили. *Сенлар билан тегишли жойда гаплашаман, эртагаёқ домла-имомлар билан орани очди қиламан.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Тегишли юқори ташкилотга етиб борган иғвони текшириш учун зудлик билан тўрт-беш кишидан иборат комиссия жўнатилди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Сессия, шунингдек, халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатларининг камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин.* Газетадан.

4 Ўзига яраша, лозим бўлган; керакли. *Текинхўр ва безорилар одил суд томонидан тегишли жазосини олди.* Газетадан. *Соиб Исмоиловнинг жасоратидан руҳланган жангчиларимиз душман ҳамласига тегишли жавоб бердилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТЕГИШЛИК 1 Боғланиш, алоқа, дахлдорлик. *Аҳмаджоннинг назарида, бу ишлар, бу юришлар, тоғ оралиғига солинган бу уйлар — ҳаммаси ортиқча, урушга ҳеч тегишлиги йўқдай кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *с.т. айн.* **тегиш 2.** *Колхозчи пахтадан тегишлигининг тенг ярмини, чорвадан тегишлигини эса мутлақо ололмади.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

3 *айн.* **тегишли 2**. *Абдураҳмон.. айниқса орада хонга тегишлик ҳукуматдор беклардан кўриниб қолса..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТЕГИШЛИЧА Керакли, лозим бўлган даражада. *Бироқ Иттифоқ идораларида биз келтирган далилларга тегишлича қулоқ солишмаяпти.* Газетадан.

ТЕГИШМОҚ 1 Тегмоқ фл. бирг. н. *Болалар ҳеч нарсага тегишмасин.* ▬ *Тенгқурлари.. Назаровни ҳурмат қилганлари ҳолда.. «Ғози», баъзан «Ғози чиллашир» деб жиғига тегишарди,* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тегажаклик қилмоқ, ҳазиллашмоқ. *У* [*Сидиқжон*] *..бутун звенони гуллатиб ашула айтар, одамларга тегишар, кулар, кулдирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Қачондан бери қизларнинг суҳбатидан қочадиган бўлиб қолдингиз? — кулиб унга тегишди Муҳаррам.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТЕГИШҚОҚ Тегишишни, ҳазиллашишни яхши кўрадиган; тегажак, ҳазилкаш. *Маҳмуднинг қизариб, кулумсираганича нари кетганини кўрган бир аёл тегишқоқ дугонасини жеркиб берди.* С. Зуннунова, Олов. *Обиджон юмалоқ, калта бўйин йигит бўлиб, ёшликдан шўх, гапдон ва тегишқоқ ўсган.* И. Раҳим, Барно.

ТЕГЛИ *с.т.* Тагли, тубли.

ТЕГЛИК *с.т.* Таглик, остлик.

ТЕГМОҚ 1 Бир-бирига ёки бир нарсага бевосита ёнма-ён, учма-уч келиб тақалмоқ, ёпишмоқ, уринмоқ. *Шафтолилар мевасининг кўплигидан ерга тегиб ётибди. Парда ерга тегиб турибди. Кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етгунча, Энкайганга энкайгин, бошинг ерга теккунча.* Мақол. ▬ *Бир маҳал кимнингдир қўли елкасига теккандек бўлди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Дилшод мусича инига қўл чўзганда, сўри орасидан ўтказилган электр симига тегиб, ерга қулаган эди.* Газетадан. *У иҳраб-сиҳраб ёнбошига ўгирилган эди, ўпкасига шамол тегиб, йўтал тутди.* «Муштум».

2 Зарб билан урилмоқ. *Мевали дарахтга тош тегар.* Мақол. ▬ *Хотин чарс беданадай патиллаб, қочмоқчи бўлганида, юзини карнайгулнинг поясига уриб олди: юзи бутоққа ёмон тегди, кўнгли озди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Тўп бориб, Бувинисо холанинг кўчага қараган деразасига тегиб, бир кўзини чил-чил қилди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Немис муккаси билан йиқилди. Унинг автомати Бектемирнинг қўлига қаттиқ тегди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Томиб, сачраб, суркалиб из, доғ қолдирмоқ, юқмоқ. *Пальтонгизга бўёқ тегибди.* ▬ *Сенинг соқолингга теккан бир қатра шира менинг фуқароларимга бир кунлик овқат бўлади.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Енгингизга қон тегибди, қаранг!* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Қўл, куч билан тегинмоқ, ушламоқ; дахл қилмоқ. *Агар тегса, мен ҳам тушираман, деб лунжини пойлаб турибман.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бу ғўзаларнинг шохлаб кетиши асосий шохнинг бирон сабаб орқасида синганлиги ёки мол-ҳол текканлиги натижаси, бу илмга маълум.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Нусратилла кирмади. -Бир тийинингизга текканим йўқ, — деб ичкари ҳовлига ўтиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сувсар кемирувчиларга қирон келтирган бўлса ҳам, уй паррандаларига тегмайди.* Газетадан.

5 *кўчма* Дахл қилмоқ, таъсир этмоқ. *Э, сенга тегиб кетдими, ҳали.. Бировларни.. камситишга ким ҳуқуқ берди сенга?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг бу гапи бошқаларга ҳам тегиб кетди..* К. Яшин, Ҳамза.

6 Бориб ёки келиб етмоқ (мас., юборилган нарса ҳақида), топширилмоқ. *Телеграмма тегди. Хат билан совға ҳалиям теккани йўқ.* ▬ *Бир неча кундан сўнг ушбу мазмундаги хат қўлимга тегса ажаб эмас.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Дид ва ихлос билан безатилган ўн иккита ранго-ранг китобча журналхонларга бориб тегди.* Газетадан.

7 Расамадда маълум ҳисса, улушга эга бўлмоқ, улушига тушмоқ, насиб этмок. *Сув чиқади-ю, лекин бойга яраша чиқади. Бу сувдан бизга туянинг думи ерга етганда тегади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ягона стул Аҳмадга тегди.* Ф. Мусажонов, Нозик масала. *Баъзан жон бошига базўр ярим стакандан тегадиган ичимлик сувини гул тагига қуйишар эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

8 Хотин бўлмоқ, турмушга чиқмоқ. *Хўш, Заргаров амалдор эмас, елкасига арқон ташлаб, бозорда юрган ҳаммол бўлса, тегармидингиз?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Кошкийди қорача бўлиб туғилган бўлсам, кўргами, калгами тегиб, сизнинг.. сўзларингизни эшитмас эдим!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

9 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шахс ёки нарсага шу сўз англатган нарса бўлишини, етишини билдиради. *Фойдаси тегмоқ.* ▬ *Ётоқхона биносини чор атрофдан кўм-кўк дарахтлар қоплаган бўлса ҳам, бизга бунинг нафи тегмайди.* «Гулдаста». *Уларнинг гуноҳини енгиллаштириш керак, худо ёрлақаб, зора бизга ҳам бир оз савоби тегиб қолса!* У. Исмоилов, Сайланма. *Ишқилиб, дўстларига зарари тегмаса бўлди — бошқасидан қўрқмайди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Асабига тегмоқ *қ.* **асаб**. **Боши ёстиққа тегмоқ** *қ.* **ёстиқ**. **Гап тегмоқ** Танбеҳ, огоҳлантириш ва ш.к. тарздаги гап бўлмоқ, айтилмоқ, шундай гап эшитмоқ. *Насибанинг ўзи ўқишни хоҳламаса, ҳеч кимга гап тегмайди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Бўлмаса сизларга ҳам, менга ҳам гап тегади.* «Гулдаста». **Елкаси ерга тегмаган** 1) курашда бирон марта ҳам йиқилмаган; 2) мусобақа, беллашувларда ҳеч ютқазмаган. *Асакалик машҳур қиморбоз Қулматқора «тўртол»чиларнинг елкаси ерга тегмаган кузури эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Жавоб тегмоқ** Рухсат берилмоқ, жавоб бўлмоқ. *Бугун Шерзоднинг палатасидаги семиз беморга жавоб тегди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. **Жағи-жағига тегмай** Тўхтамай, тинмай, бидиллаб гапириш ҳолати. *Сатторқул бош врачнинг кабинетига кирди-ю, жағи-жағига тегмай сайраб кетди.* «Муштум». **Жиғига тегмоқ** *қ.* **жиғ**. **Жон(и)га тегмоқ** *қ.* **жон**. *Камбағаллик жонга тегмаган вақт, жонига тегмаган одам бўлганмикин?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Иззат-нафсига тегмоқ** *қ.* **нафсониятига тегмоқ. Ит теккан** Номусига тегилган, иффатини йўқотган аёлга нисбатан қўлланувчи ибора. *Агар ит тегмаган бўлса, покман, номусим жойида десанг, кел, бери кел.* М. Мансуров, Ёмби. **Кўз тегмоқ** *қ.* **кўз**. **Кўнглига тегмоқ** *қ.* **кўнгил. Нафсониятига тегмоқ** Кишининг қадр-қиммати, иззати нафсини, ғурурини ерга урмоқ, топтамоқ. **Одам** (*ёки* **инсон**) **оёғи тегмаган** Инсон бўлмаган, келмаган, инсон қадам қўймаган. *Бу ер одам оёғи тегмаган тўқай.* «Чалпак ёққан кун». **Орқасига** (*ёки* **елкасига**) **офтоб тегди** *қ.* **офтоб. Оғзи(га) тегди** *қ.* **оғиз**. *Эркак кишининг оғзига тегдими.. Юринг, боққа чиқамиз.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Олма, ўрик ва шу каби тар мевалар ҳам бирин-кетин пишиб, одамларнинг оғизларига тегди.* К. Яшин, Ҳамза. **Пешонаси деворга тегмоқ** *қ.* **пешона.** *Пешонам деворга бориб тақ этиб тегди. Онам, келинойим, ўртоқларим ҳақ.* «Ёшлик». **Текканга тегиб, тегмаганга тош** (*ёки* **кесак**) **отмоқ** Ҳамма билан уриш-жанжал қилиб юрмоқ, тинч юрмаслик. *У* [*Асрора*] *ёшлигида текканга тегиб, тегмаганга кесак отарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Текин пул, текин маишатдан талтайиб кетган Аҳмедов ҳозир текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган бўлди.* «Муштум». **Ярасига тегмоқ** *қ.* **яра**. *..яхши кўрган бу одамини мақтайман деб, унинг ярасига тегиб кетганини билмай қолди.* А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат. **Қитиғига тегмоқ** *қ.* **қитиқ**. *Бир қитиғига тегайми, зора йигитлик ғурури ваража қилса!* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. **Қулоққа тегмоқ** Эшитилмоқ. *Болам, сен қайдан эшитдинг?! Сенинг қулоғингга тегмасин, деб юрар эдим.* «Ёдгор». **Қўли тегмоқ** *қ.* **қўл**. *Шоҳ хизматига киргандан бери эса деярли қўли тегмай қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қўли қўлига тегмаслик** *қ.* **қўл.** *Далаларда ҳаёт қайнайди, бободеҳқоннинг қўли қўлига тегмайди.* Газетадан. **Кўндоқда теккан** *қ.* **қўндоқ**. *Ана шу мудир Салимовнинг қўндоқда теккан бир касали бор.*

«Муштум». **Ғашига тегмоқ** *қ.* **ғаш**. *Зиммасига тушаётган вазифа Собирнинг ғашига тегди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Ҳамиятига тегмоқ** *қ.* **ҳамият**. *Унинг охирги гапи Мансурнинг ҳамиятига тегди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТЕГРА *кт.* Теварак, атроф. *Теграси деворсиз, фақат толлар билангина ажратилган участка жуда серфайз, гаштли кўринди..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг тегралари аниқлангунга ҳамда йиғинларнинг раислари қонунда белгиланган тартибда сайлангунга қадар уларнинг вазифаларини бажариб туриш шаҳарча, қишлоқ.. кенгашлари раислари зиммасига юклатилсин.* Газетадан.

ТЕЖАБ-ТЕРГАМОҚ Сарф-харажатда, рўзғор ишида аяб, режа билан иш тутмоқ. *Пулни тежаб-тергаб, расамади билан ишлатмоқ.* ▬ *Биз ўзимиздаги саноқли ўқларни энди тежаб-тергаб ота олар эдик.* А. Раҳмат, Брест қаҳрамони.

ТЕЖАМ 1 Эҳтиёт қилиб, аяб, ўз ўрнида ишлатиш, тежаш, иқтисод. *Тежам масаласи ҳамиша зўр амалий аҳамиятга эгадир.* ▬ *Тежам билан ишлатсанг, уй-рўзғоринг бут бўлар..* «Қанотли сўзлар».

2 Тежаш туфайли қолган, орттирилган фойда. *Тежам ҳисобига илғорларни мукофотламоқ.* ▬ *..Ҳар сафар ўзлари ўйламаган тежамларнинг келиб чиққанидан мамнун бўлишди.* Газетадан.

ТЕЖАМКОР Тежам билан иш тутадиган, тежаб ишлатадиган. *Тежамкор ишчи. Тежамкор бухгалтер.* ▬ *У* [*Умид*] *бошқа ўртоқларига қараганда анча тежамкор, феълан босиқ.* Мирмуҳсин, Умид.

ТЕЖАМКОРЛИК Тежам билан иш тутиш, шу тарздаги иқтисодий тартиб. *Иситиш қурилмасида тайёрланган иссиқ сувдан тежамкорлик билан фойдаланинг.* Газетадан. *Бугунги машғулот «Қурилишда тежамкорлик» мавзуида бўлади.* «Саодат».

ТЕЖАМЛИ 1 Тежашга, тежамкорликка имкон берадиган, тежайдиган. *Тежамли машина. Тежамли ишлаб чиқариш усули.* ▬ *Табиий газ фақат тежамли ёқилғигина бўлиб қолмасдан, тенги йўқ химия хомашёси ҳамдир.* А. Абдуқодиров, Газ химия хизматида. *Бригадалар пахтани қоп-қанорсиз ташишдек тежамли ва қулай усулни қўлладилар.* Газетадан.

2 *айн.* **тежамкор**. *Сиздек инсофли, тежамли одамларни айрим ташкилотларга, айниқса, қурилишларга биттадан бошлиқ қилиб қўйса борми, бунақа исрофгарчиликлар бўлмасди!* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТЕЖАМЛИЛИК *айн.* **тежамкорлик.** *Корхона жамоаси тежамлилик йўлидан бориб, кўплаб электр энергияси ва хомашё тежаяпти.* Газетадан.

ТЕЖАМОҚ 1 Ортиқча сарфга йўл қўймасликка ҳаракат қилиб иш тутмоқ, аяш, тежам билан сарфламоқ. *Умиднинг қийинчилик билан катта бўлганини ҳамма биларди — кийимни яхши кийиши, пулни тежаши ҳам шундан.* Мирмуҳсин, Умид. *Малахов қанча аяб, тежаб отмасин, ўқи кутгандан тез тугаб борарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Минутларни тежанг, ўтмасин дамлар..* Р. Бобожон.

2 Исроф қилмаслик йўли билан орттирмоқ, ишлатмай, сарфламай қолдирмоқ. *Шундай бўлса ҳам, тушликка чиққанда, ярим соатгина вақтни тежаб, ошхонадан чиқди-ю, Ҳалим бобонинг боғига йўл олди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ем-хашакдан моҳирона фойдаланиш туфайли чорвадорлар кўп миқдордаги донни тежаб қолдилар..* Газетадан.

3 Кимсани ёки ўзини эҳтиёт қилмоқ, аямоқ, сақламоқ. *Болани ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди, уни тежаб, тергаб туриш керак.* ▬ *Қутидор қизининг пешонасини ушлади: -Эй, ҳа.. Кумуш, ҳали иссиғинг бор, — деди. — Ўзингни тежа, қизим, ўрнингни қалин қилиб, бурканиб ёт, терласанг — ёришасан, қизим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕЖАМСИЗ 1 Тежашга имкон бермайдиган, ортиқча сарфга йўл қўядиган. *Тежамсиз машина. Тежамсиз технология.*

2 Аямасдан, пала-партиш сарфлайдиган, тежашни билмайдиган. *Тежамсиз аёл.*

ТЕЖАМСИЗЛИК Тежаб-тергамай, тежамкорликка риоя қилмай сарфлаш; исрофгарчилик. *Тежамсизлик билан ишламоқ.*

ТЕЖОҒЛИ Тежашга, тежамкорликка асосланган; тежамли. *Тежоғли иш — бежоғли иш.* Мақол.

2 Ишлари яхши йўлга қўйилган, ҳар нарса ўз жойида, тартибга солинган, саранжом-саришта. *Сирдарё соҳиллари — кўз илғамас*

асрий дашт. Ардоқли ўлка бугун — ясоғли ва тежоғли. Миртемир.

ТЕЗ [*ф.* تیز — ўткир, кескир; ўювчи, аччиқ; санчилувчан; зийрак, сезгир; илдам, жадал; чаққон] **1** Орадан кўп вақт ўтмасдан, оз (қисқа) вақт ичида; дарров, тезда. *Мажлис тез тугади. Бола ўқиш-ёзишни тез ўрганди. Воқеалар тез ривожланмоқда. Шошмасанг, тез етарсан, шошгандан ўзиб кетарсан.* Мақол. ▬ *Борди-ю, кўклам серёмғир келгудек бўлса, ер тез етилмайди, экин кечикиб кетади.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Ҳаво айнияпти, укажон. Бунақа ҳавода чўққига чиқиш хавфли, Тоғда қоронғи тез тушади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Тез кунда (*ёки* **кун ичида**), **тез орада, тез фурсатда** (*ёки* **фурсат ичида)** Орадан кўп вақт ўтмасдан, озгина вақт ўтгандан кейин, қисқа фурсатда, оз муддатда. *Азалда тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сорахон тез фурсат ичида унинг кўнглидан Мунисхон ишқини ювиб чиқарди.* А. Қаҳҳор. Сароб.

2 Дарҳол, шу топда, шу он, зудлик билан. *Нақ пешин вақтида Ёрмат чой-нон олиб келди, уларни ерга қўймасдан, Йўлчини койиди: -Тез чиқинг-е.. куннинг иссиғини сезасизми?!* Ойбек, Танланган асарлар. *Қудрат тез жавоб айтолмади. Синглисини, шу билан бирга ўзини ҳам юпатиш учун баҳона ахтарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бой тез фаҳмлади-да: -Шундайми, жиян, — деб кулди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тез айтиш Ўзбек халқ оғзаки ижодининг янглишиб кетиш мумкин бўлган қофиядош, ўхшаш сўзларнинг жумлаларини адашмай, тез талаффуз қилишдан иборат бир тури. **Тез бўл** Вақт ўтмасдан, дарров ҳаракат қил, имиллама. *Юринг, тез бўлинг. Ҳамро опам бетоб бўлиб қолди.* Туйғун, Зулфизар.

3 Меъёрдагига нисбатан олдинроқ, илгарироқ. *Бола отасининг сўзларидаги маънони дуруст тушунмагани учун бунчалик тез ва осон «хўп» деди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сидиқжоннинг онаси Хадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Катта суръат билан, шахдам, жадал. *Тез ишламоқ, Тез юрмоқ. Тез ўқимоқ.* ▬ *Сой унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда тез оқар, «қулқ-қулқ» этган товушлар сув остида катта-катта тошлар юмалаётганини билдириб турар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Йиллар шу қадар тез ўтардики, ҳа-ҳув дегунча у олтмишдан ошиб, пайғамбар ёшига яқинлашмоқда..* Мирмуҳсин, Меъмор. *У, Дилбарга етиб олиш учунми ёки каттиқ ҳаяжонга тушганиданми — тез қадам ташлай бошлади.* «Гулдаста».

5 *сфт.* Дарров аччиғланиб, қизишиб кетадиган, сержаҳл, жиззаки. *Жуда тезсиз-да, Аҳмаджон, бердисини эшитмай бўғасиз-а!* С. Кароматов, Ҳижрон. *Э.. мен бу ишга аралашмас эдим, бу йигитнинг ўзи тезроқ.* Н. Сафаров, Уйғониш.

Жаҳли (*ёки* **аччиғи, феъли**) **тез** Дарров аччиғланиб, қизишиб кетадиган, сержаҳл, жиззаки. *Шомми калнинг жаҳли жуда тез бўлиб, юрагида кек сақловчи киши эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Домланинг аччиқлари тез, асабий мижоз эканликларини айтиб ўтган эдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Хотининг, бунақа феъли тез экан,* [*болани*] *олиб кетмагани ҳам дуруст.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тили тез** Тезда қизишиб, бидиллаб кетадиган, гап бермайдиган. *Оҳ, ўғлим, ёшсан, тилинг тез, ўнг-терсига қарамай гапираверасан.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

6 *с.т.* Жуда тез ишлайдиган, тезкор. *Жуда тез уста.*

Зеҳни тез Зеҳни, ақли ўткир, тез фаҳмлаб оладиган, фаросатли. **Тез ёрдам** Оғир беморларга шошилинч ёрдам кўрсатиш хизмати. *Тез ёрдам машинаси. Тез ёрдам чақирмоқ.* ▬ *Ҳамма шаҳар ва туманларда тез ёрдам станциялари ишлаб турибди.* Газетадан.

ТЕЗАК [*ф.* تیزک] **1** Ҳайвон ёки қуш ахлати; гўнг. *Мол тезаги.* ▬ *Йигитлар қўйларнинг сийдик ва тезакларига булғаниб ётган тутқунларнинг қўл-оёқларини ечиб, қўрадан ҳайдаб чиқармоқчи бўлдилар.* С. Айний, Қуллар. *-Оқ қушларнинг тезаги оппоқ бўлар экан, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Қуриган ёки ёқиш учун махсус қуритилган гўнг (асосан, мол гўнги). *Ҳайдар.. ўчоқ ичига кўмилган ўтни очиб, устига бир дона тезак қўйиб, пуфлаб, бир оз яшнатди.* С. Айний, Қуллар. *Ўчоқда тезак милтиллаб ёнар, қора човгум биқир-биқир қайнарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Тенг тенги билан, тезак қопи билан Ҳар ким мавқеи, обрўйи жиҳатидан ўзига тенг, мос, мувофиқ киши билан бўлиши лозим, деган маънодаги мақол. *Тенг тенги билан, тезак қопи билан! Бозоров — бир қоп тезак! Адолатнинг тенги — Нормат.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЕЗАКЛАМОҚ Табиий ҳожат чиқармоқ, ёзилмоқ (ҳайвон ва қушлар ҳақида). *От тезаклади.*

ТЕЗАКХОНА Тезак сақланадиган ёпиқ жой, саройхона. -*Офарин! — эшон ясама кулди. — ..Тинчгина бол чайнаб юрган одам, тезакхонада истиқомат қилибсиз.* И. Раҳим, Тақдир.

ТЕЗАУРУС [*юн.* thesauros — хазина, бойлик] *тлш.* **1** Муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўкис акс эттирадиган луғат.

2 Бирон-бир илм-фан соҳасига оид сўзлар мавзу тартибида жойлаштирилган ва улар ўртасидаги семантик (жинс-тур, синонимик ва б.) муносабатлар акс эттирилган идеографик луғат.

ТЕЗГИЗАК Ёғоч канаси.

ТЕЗГИР [*ф.* تیزگیر — тез, чаққон олувчи] Овни тез оладиган, олғир. *Тезгир бургут. Тезгир този.*

ТЕЗДА(Н) *рвш.* Орадан кўп вақт ўтмасдан, қисқа муддат ичида, оз фурсатда; дарров. *Қишнинг биринчи ярми қуруқ келди. Икки мартагина қор ёғиб, тезда эриб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кеча клубга борган хотиннинг Адолатга кўзи тушиши билан, ранги ўзгариб кетди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бектемир тездан ўзини пастликка ташлади, югура-югура, ўрмонга кирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТЕЗИКМОҚ *шв.* Тез юрмоқ, тезликни оширмоқ; тезлашмоқ. *Зулфизар отига ғазаб қамчисини урди, ғойибнинг қушидай тезикиб кетди.* «Зулфизар билан Авазхон».

ТЕЗИС [*юн.* thesis — қоида; исбот] **1** Илмий асар, мақола, маъруза ва ш.к. даги асосий ғояларнинг қисқа ва лўнда баёни. *Маъруза тезиси.* ▬ *Саодатхон стол устидаги тезисларини олар экан, соатига қаради.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 *мнт.* Ҳақиқат эканлиги исботланиши лозим бўлган ҳукм, мулоҳаза, фикр. *Шоир дунёқарашининг баркамоллигидан дарак берувчи бу тезис унинг қатор асарларида турли шаклларда жуда кўп қайтарилган.* «ЎТА».

ТЕЗКОР [*ф.* تیزکار — тез, жадал ишловчи] **1** Тез ишлайдиган, ишни тез, чаққон бажарадиган. *Тезкор уста.* ▬ *Ўринбой тезкор, ҳар қандай ишни ҳам тез бажо этишни ёқтирадиганлардан.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Тезлик билан ҳаракат қилувчи, тезлик билан натижага эришишни таъминловчи. *Қурт боқишнинг тезкор усули ҳақидаги бу довруқ бутун мамлакатга ҳам таралди.* Й. Муқимов, Ипак толаси. *Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси тузган тезкор гуруҳ аъзолари бозорларни зимдан кузата бошладилар.* Газетадан.

ТЕЗКОРЛИК 1 Тез ишлаш. *Унинг тезкорлиги ҳаммани ҳайратда қолдирди.* ▬ *Тезкорлиги, сифатли иши билан танила бошлаган.. Омонга масъулиятли иш топширилди.* Т. Баҳромов, Отасининг боласи.

2 Тез ишлаш, ишни тез бажариш; ишда жадаллик. *Ғалла ўрим-йиғими тезкорликни талаб қилади.* ▬ *Ўрта Осиёнинг талай қисмини эгаллаб ётган тоғлар бағридаги бойликлар йил сайин тезкорлик билан ўзлаштирилмоқда.* А. Раззоқов, Муҳокама мавзуи. *Бунинг учун тезкорлик билан, қаттиқ, баъзида кўпчиликка хуш келмайдиган чоралар кўрилиши зарур.* Газетадан.

ТЕЗЛАМА: **тезлама қилмоқ** *кам қўлл. айн.* **тезламоқ** II.

ТЕЗЛАМОҚ I **1** Тезлиги ошмоқ, ҳаракат тезлигини оширмоқ. *Поезд тезлаб кетди. Ёмғир тезлади.* ▬ *Комилжон тезлаб келиб, Халиловга қўл узатди: -Келинг, Халилов ака.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Тез юришга ундамоқ, қистамоқ. *Куч борича отим тезлаб кўраман.* «Муродхон».

3 Ҳужум қилишга, уришишга ундамоқ, хезламоқ, гижгижламоқ. *Хўрозларни бир-бирига тезламоқ. Беданани тезламоқ.*

4 Чархлаб, қайраб ўткир қилмоқ. *Кетмонни тезламоқ. Ўроқни тезламоқ.*

5 *с.т.* Олов кучайиб, тезлик қилиб, оқиб, кўчиб тушмоқ (тандирда ёпилган нон, сомса ҳақида).

ТЕЗЛАМОҚ II Бинонинг ишдан чиққан деворини, томини бузмасдан кўтариб қўйиб таъмирламоқ, янгиламоқ. -*Уйнинг орқасини тезласаммикин, — деб кўнглидан ўтказди Бўтабой, — шошмасдан, яхшилаб тез-*

ласам. Уйнинг ичини қумсувоқ қилсам. С. Аҳмад, Ҳукм.

ТЕЗЛАТКИЧ 1 *махс.* Бирор иш-ҳаракат ёки жараённи тезлатиш, жадаллатиш, кучайтириш учун хизмат қиладиган асбоб, қурилма ва ш.к. *Ядро заррачалари тезлаткичи.*

2 Бирор жараённи тезлаштирадиган, ривожлантирадиган омил, восита, куч.

ТЕЗЛАШМОҚ 1 Тезламоқ I фл. бирг. н. *Йигитлар болаларни тезлашиб, курашга туширишди.*

2 Суръати ошмоқ, жадаллашмоқ; кучаймоқ, авжга минмоқ. *Поезд тезлашди. Ишлар тезлашиб кетди.* ▬ *Шабада ҳам тезлашиб, болаларнинг сочлари ва галстуклари билан тинмай ўйнашмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Майдалаб, шивалаб ёғаётган ёмғир тобора тезлашарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Авазнинг қадами бир секинлашади, бир тезлашади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Муддатидан олдин амалга ошмоқ, тезроқ содир бўлмоқ. *Ўйлаб қараганда, унинг эндиги тақдири кўп жиҳатдан мана шу сафарига ҳам боғлиқ; ҳатто тўйнинг тезлашуви ҳам, тўйдан кейинги саёҳат ҳам шунга боғлиқ.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТЕЗЛИК 1 Тез одамга хос ҳаракат, хусусият. *Солиҳбойнинг қайнаб турган ғазаби унинг тезлигида ёки жазавага тушишида эмас..* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 Иш-ҳаракат, жараён ва ш.к. нинг жадаллиги, суръати, даражаси. *Иш тезлиги. Ҳисоблаш тезлиги.*

Тезлик билан 1) имкон борича қисқа вақт ичида, тез суръат билан, жадал. *Ҳосилни тезлик билан йиғиб-териб олмоқ;* 2) дарҳол, ошиғич равишда, кечиктирмай. *Тезлик билан етиб кел.*

3 *физ., тех.* Жисм босиб ўтган масофанинг шу масофани босиб ўтиш учун кетган вақтга нисбати. *Юриш тезлиги. Югуриш тезлиги. Товуш тезлиги. Ўртача тезлик. Тезлик бирлиги. Тезликни ҳисобламоқ. Трактор баландликка биринчи тезликда чиқади.*

ТЕЗЛИКДА *рвш. кам қўлл.* Тезлик билан, тезда, тез. *Тезликда етиб келиб, Сен ҳам даврамизга кир. Кўм-кўк арча тагида Сакраб-сакраб ўйнаб бер.* И. Муслим. *Тезликда Самарқандга — Улуғбек мирзога чопарлар орқали нома жўнатилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Яшин (*ёки* **чақмоқ**) **тезлигида** Жуда тез, кўз очиб юмгунча. *Бирдан калламга яшин тезлигида бир фикр келди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бу фикр Эргашевнинг хаёлидан чақмоқ тезлигида ўтди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.

ТЕЗОБ [*ф.* تیزاب — барча металларни эритувчи суюқлик, сульфат ва нитрат кислоталар аралашмаси; тезоқар сув] **1** *кам қўлл.* Тез оқадиган, тезоқар. *Избоскан қишлоғининг этагидан.. тезоб дарё оқади.* Й. Шамшаров, Олтин куз. *Қалбинг ишлар ишқин куйлаб доимо, Мисралар ирмоқдай тезоб, шўх, тоза.* М. Бобоев. *Ёшлик экан, умр аталмиш тезоб дарёнинг айни кўпирган, жўшқин палласи.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

2 Тез суръатли, жадал. *Ҳар якшанба иш шу тариқа тезоб..* Ш. Тоҳиров, Қарс икки қўлдан чиқади.

3 *айн.* **тез 5**. *Воқеадан хабардор бўлган тезоброқ Иноғом ака тутақиб кетди.* Ф. Мусажонов, Камтарин ишчи.

4 *махс.* Турли технологик жараёнларда эритиш, тозалаш, оқлаш, ошлаш ва ш.к. мақсадларда ишлатиладиган моддаларнинг умумий номи. *Терини тезобга солмоқ. Металлни тезобда тозаламоқ.*

ТЕЗОБЛАМОҚ *махс.* Тезобда ишлов бермоқ. *Терини тезобламоқ. Металлни тезобламоқ.*

ТЕЗОТАР 1 Бирин-кетин жуда тез ўқ отадиган. *Тезотар милтиқ. Тезотар зенит тўпи.*

2 Тез сайрайдиган, сайроқи (бедана ҳақида). [*Комил бедананинг сайрашини эшитиб тўхтайди*:] *Оҳ, оҳ, оҳ! Бай-бай-бай! Зап тезотар бўпти-да.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

ТЕЗОҚАР Тез оқадиган. *Тезоқар дарё, пулемётлардан ёмғирдек қуйилаётган ўқ.. снарядларнинг даҳшатли чинқириғи ҳужумни тезлатгани қўймас эди.* А. Раҳмат, Азиз тупроқда унган дўстлик.

ТЕЗПАЗАК [*ф.* تیزپزک — тез пишувчи] *шв.* Тезпишар. *Тезпазак ўрик.*

ТЕЗПИШАР Тез пишадиган, эрта етиладиган; чиллаки. *Тезпишар пахта навлари. Тезпишар ўрик. Тезпишар қовун.* ▬ *Анов пол тутзор кўркам — Раъно қаламчалари. Бу поли — Салимжоннинг Тезпишар олчалари.* Қ. Муҳаммадий.

ТЕЗ-ТЕЗ *рвш.* **1** Тезлик билан, жадал, илдам; шошилиб. *Тез-тез юрмоқ. Тез-тез*

ишламоқ. ▬ *Шоир дафтарчасини тиззасига қўйиб, тез-тез ёзар эди.* А. Қаҳҳор, Картина. *Алимжоннинг юраги тез-тез уриб, бадани қизишди.* К. Раҳимов, Ўз касбини севган йигит. *[Мадамин] Худди бировдан қизғангандек тез-тез ошар ва чайнамасдан ютар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кўп вақт оралатмай, бот-бот, ўқтин-ўқтин. *Бемор тез-тез сув сўрар эди.* ▬ *Гулнор бу ой ичида тез-тез оғриб турди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Энди сиз шу ерда қолинг, — деди онасига Нормат, дарвозадан чиқаркан, — уринманг.. Тез-тез хат ёзиб тураман.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЕК *рвш.* **1** Ҳаракатсиз, қимирламасдан ва овоз чиқармасдан, жим. *Тек тур. Тек ўтир.* ▬ *Ҳамма бир лаҳза тек қолиб, бирдан қаттиқ кулги кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Унда лайлак бир оёқлаб туриб, яшилланиб келаётган адирларга кўз ташлаб, тек қотган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ҳеч иш, ҳаракат қилмасдан, бекор. *Тек турмаган тўқ турар.* Мақол. ▬ *Унинг* [*Ҳайдарбойнинг*] *қўллари тек турмайди: дам узун оташкурак билан тўнканинг ўт олган жойларини қоқиб, яна ҳам кўпроқ биқситади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳамма ҳаракатда-ю, ёлғиз мен тек ётибман.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.

3 *унд. с. взф.* Қимирлама, жим. *-Тек, ўртоқлар, — деди раис ва давом этди, — ўзингиз экасизми?* А. Қаҳҳор, Сароб.

Тек қўймоқ Тинч қўймоқ, безовта қилмаслик. *Ҳозир тек қўйиб қўйган одамларни сув чиққандан кейин қамаши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕКИН Эвазига пул, ҳақ ёки бошқа бирор нарса талаб қилинмайдиган; пулсиз, бепул. *Текин овқат. Текин меҳнат.* ▬ *Узоқ сафарга пул керак. Текин қимиз, эт қайда.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Сен ҳали шунақа ёмонмисан-а? Ўй-бўй! — деди завхоз. — Шунчалик текин еб-ичиб, ўқиб юрганингга шукур қилиш керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Сув текин, сувтекин Жуда арзон, деярли текин. *Хотинларнинг меҳнати айниқса қадрсиз, сув текин бўлишини ўшанда билдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Гўр азоби билан етиштирган пахтасини заводга келтириб, сув текин сотади, — деяр эди куюниб Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Текин томоқ** *қ.* **томоқ 3.**

ТЕКИНГА *рвш.* Эвазига пул, ҳақ ёки бошқа бирор нарса олмасдан ёки бермасдан; пулсиз, бепул. *Текинга ишлатмоқ. Текинга олмоқ.* ▬ *Қаранг, бировларнинг болаларини пул сарф қилиб, вақт сарф қилиб, текинга ўқитса-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕКИНТОМОҚ (*тўғриси* **текин томоқ**) *қ.* **томоқ 3.**

ТЕКИНХЎР 1 Меҳнат қилмасдан, бошқалар ҳисобига кун кўрувчи; ҳаромхўр. *Текинхўрлар ва безорилар одил суд томонидан тегишли жазосини олади.* Х. Ризаев, Безори муносиб жазоланди. *Аҳмадга ўхшаган соф виждонли одам учун энг ёмони — ўзини бекорчи, текинхўр сезиш.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *биол.* Бошқа организмларга ёпишиб, уларни сўриш билан яшовчи майда жонивор ёки ўсимлик; паразит. *Текинхўр зарпечак.* ▬ *Энди чимқирқар машина соламан бу текинхўр газандага.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТЕКИНХЎРЛИК Меҳнат қилмай еб-ичиш, кун кўришлик. *Қодир Қурбонбоев жамиятимиз учун бирор фойдали ишга кўнгил қўймади, текинхўрлик, чайқовчиликка муккасидан кетди.* «Муштум».

ТЕКИС 1 Юзида ғадир-будир, баланд-паст, ўнқир-чўнқир жойлари бўлмаган; силлиқ. *Текис тахта. Текис майдон. Текис девор.* ▬ *Кеча қоронғи ва туманли эди. Кенг, текис кўчага узоқдан чироқлар туман ичида хира, совуқ нур сепади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йўл текис, машина силкинмасди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Жойлашиш, ўлчам (ҳажм ёки бўй) ва ш.к. жиҳатдан бир хил. *У жилмайганида, қизларникига ўхшаш, текис тишлари ярқ этиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бўйи баланд, қомати келишган, қора соқоли иягида текис қилиб қирқилган.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кўк блузка кийган икки қиз Башоратларнинг олдига келди. Улар бир-бирларига жуда ўхшар, бўйлари ҳам текис, жуда чиройли қизлар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Бир маромда, бир хил тезликда. *Текис ҳаракат. Текис одим.* ▬ *Худди цирк отларидай безатилган семизгина, силлиққина бўз от текис олиб кетди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ундан нарироқда қора калхат, санъатини намойиш қилаётгандай, бир текис сузиб юрибди.* Н. Фозилов, Дийдор.

4 *рвш.* Бараварига, ёппасига бир вақтда; шиға, қийғос. *Уруғларни текис ундириб олмоқ. Гилослар бир текис гуллади. Ғўзалар бир текис униб чиқди.* ▬ *Ҳар сафар текис чиқиб, яшнаб ўсаётган ям-яшил ғўзаларни кўрганимда.. пахтазордан чиққим келмас эди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

5 Ҳар жиҳатдан тенг, баравар, бир ҳуқуқдаги. *Сув худойимнинг мулкими? Халойиқ текис ичади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мени сайланг, негаким, Энди қадрдон бўламан. Бир текис ҳаммангизга Хизмати бажон қиламан.* Ҳамза.

6 *кўчма с.т.* Беишкал, силлиқ; бир хил қилиб. *Иши жуда текис. Ҳамма иш текис бўлиб кетди.* ▬ *Муса кўса бир ерда турмас, чигитларни бир текисда экиш кераклигини, чигит тўрт энликдан чуқур бўлмаслигини ҳадеб тайинларди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

7 *с.т.* Келишган, чиройли. *Ўртада ўн олти-ўн етти яшар бачча ўйнайди. У рангсиз, хипча, «текисгина», яна тўғрироғи, «попукдай» бола.* Ойбек, Танланган асарлар. *Анов тоғ билан манов тоғ эгиз экан, Жами қиздан охун қизи текис экан.* «Оқ олма, қизил олма».

ТЕКИСЛАГИЧ Текислаш, силлиқлаш учун хизмат қиладиган асбоб, мослама, машина. *Ер текислагич.* ▬ *Доирани текислагич ёрдами билан горизонтал ҳолатга келтириш мумкин.* «Астрономия».

ТЕКИСЛАМОҚ 1 Баланд-паст, ғижим, ғадир-будурларини йўқотиб, текис, силлиқ қилмоқ. *Ерни текисламоқ. Кўчани текисламоқ. Тахтани текисламоқ. Сочини текисламоқ.* ▬ *Нодира бошлиқ бир тўда ўқувчилар спорт майдончасини текисладилар.* С. Зуннунова, Янги директор. *Нормат ўрнидан туриб, камарини қаттиқ тортиб, гимнастёркасини текислади-да, Адолатнинг олдига борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир чизиқ бўйлаб текис жойлаштирмоқ. *Сафларни текисламоқ.* ▬ *Рота командири жангчиларга кийимларини тузатишни, қуролларни яна қайта текислаб, тартибга солиб қўйишни буюрди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *с.т.* Ишкалларни йўқотиб силлиқламоқ, тўғриламоқ. *Ҳамма иш текислаб юборилди.*

ТЕКИСЛИК 1 Текис юза(сирт)га эгалик. *Ернинг текислиги. Тахтанинг текислиги.*

2 Баланд-пасти бўлмаган текис ер, текис майдон. *Рўпарадаги текисликда район дарахтлари қорайиб кўринар.. эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *физ., геом.* Текис юза. *Проекцияловчи текислик. Қия текисликдан жисмнинг тушиши.*

4 *геогр.* Катта баландликлар, тоғлар бўлмаган, нисбий текис бўлган ер сатҳи; океанлар тубидаги ясси катта майдон. *Ўшнинг жанубидаги кенг текисликлар, тўлқинсимон қир ва адирлар турли-туман дала гуллари билан безанган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 *сиёс.* Ҳар жиҳатдан тенглик, тенг ҳуқуқлилик. *Иқтисодий текислик.*

ТЕКИССИЗ *кам қўлл.* Текисмас, нотекис. *Текиссиз тараққиёт.*

ТЕКИССИЗЛИК *кам қўлл.* Текиссиз ҳолат, нотекислик. *Ривожланишнинг текиссизлиги.*

ТЕКИСЧИЛИК 1 Бажарилган ишнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олмасдан, ҳаммага баб-баравар ҳақ тўлаш, бир хилда тўлаш, тақдирлаш. *Текисчиликка қарши кураш.* ▬ *Шукуржон текисчиликка қарши муросасиз кураш олиб борар, бирон ёш табелчига нарядни бошқатдан ишлаш учун қайтариб берар экан: -Шуни билиб қўйингки, ҳеч қачон ҳамма бир хилда ишламайди, — дерди.* З. Сотиев, Истеъдод. *Бу соҳада* [*моддий рағбатлантиришда*] *юз бериб келаётган текисчиликка қатъиян барҳам бериш керак.* Газетадан.

2 *сиёс.* Кишиларни, қайси синф ёки табақага мансублигидан қатъи назар, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тенг имкониятли, тенг ҳуқуқли қилишга уриниш.

ТЕКСТ [*лот.* textum — боғланиш; бирикиш; алоқа; бирикма] **1** *қ.* **матн.** *Мақоланинг тексти. Телеграмманинг тексти.* ▬ *Жумлалари турар текис, Зумда варақ чиқар эгиз. Газета, журнал, китоб, Текстлари ўқишга боп.* Қ. Муҳаммадий.

2 *плгрф.* Йирик шрифтлардан бирининг номи.

ТЕКСТИЛЬ [*лот.* textile — газлама; тўқима мато; газламадан тайёрланган кийимлар] **1** Тўқимачилик саноати маҳсулоти; газмол.

2 *с.т.* Тўқимачилик комбинати. *Келиним ўлгурнинг ўзиям текстилда ишлаб, жарақ-жарақ пул олади.* «Муштум».

ТЕКСТОЛОГ *қ.* **матншунос**. *1939 йили Навоий юбилейи комитети тузилганда, [комитет] Маҳжур, Ҳабибий, Анисий, Улфатларни Ўзбекистон Фанлар академиясига текстолог қилиб чақиртирди.* Газетадан.

ТЕКСТОЛОГИК Матншуносликка оид (*қ.* **матншунослик**). *Текстологик тадқиқот принциплари бўйича ўз даврининг пешқадам қалам эгалари – Навоий билан Жомийнинг тутган умумий позициялари бир-бирига жуда яқин.. бўлганлигига «Хамсатул-мутаҳаййирин»дан яна бир машҳур мисолни келтириш мумкин.* «ЎТА».

ТЕКСТОЛОГИЯ [*лот.* textum + *юн.* logos – таълимот] *қ.* **матншунослик**. *Шуниси аниқки, текстология у вақтларда мустақил фан сифатида ривожланмаган.. эди.* «ЎТА». *Республикамизда текстология фани равнақини унинг асосчиларидан бири Порсо Шамсиевсиз тасаввур қилиб бўлмайди.* С. Ғаниева, Алломанинг табаррук ёши.

ТЕКТОНИК 1 Ер қобиғи ҳаракати ва унинг ўзгаришларига оид; шулар натижасида содир бўлган. *Тектоник жараёнлар.* ▬ *Японияда ва Американинг ғарбий қирғоқларида содир бўладиган зилзилаларда ҳам тектоник, ҳам вулканик кучлар бараварига иштирок қилади.* Т. Ҳамробоев, Зилзила ҳақида мулоҳазалар.

2 Ернинг тузилиши ва ўзгаришига оид. *Тектоник харита.* ▬ *Мазкур тектоник қатламлар оролгача кучли босим билан таъсир қилаётганлиги сабабли у жойидан силжиган.* Газетадан.

ТЕКТОНИКА [*юн.* tektonike – қурувчилик санъати] *геол.* Геологиянинг Ер қобиғи муайян қисмининг тузилиши ва унда юз берадиган ўзгаришларни ўрганадиган бўлими. *Геологларнинг махсус гуруҳи ишида тектоника, геофизика, гидрогеология соҳасида.. иш олиб бораётган энг таниқли мутахассислар қатнашдилар.* Газетадан.

ТЕКТУРМАС 1 Бекор тура олмайдиган, бекорчиликни ёқтирмайдиган, тиниб-тинчимас, серҳаракат. *Тектурмас чол.*

2 Шўх, тўполончи (кўпинча болалар ҳақида). *Тектурмас бола.*

ТЕКШИРИШ 1 Текширмоқ фл. ҳар. н. *Қарорнинг бажарилишини текшириш. Бухгалтерия фаолиятини текшириш.*

2 Ўрганиш, тадқиқот. *Геологик текшириш. Илмий текшириш институти.* ▬ *Фузулий [ижоди] устида олиб борилган текширишлар Фузулий адабий мактабининг ташаккулида Навоий ижодининг муҳим роль ўйнаганлигини янада яхшироқ очиб беради.* «ЎТА».

3 Тафтиш, ревизия. *Агар текшириш натижасида Ҳасанжон бу ишга илинган бўлиб чиқса, у ҳам нобуд бўлади.. жазосини тортади.* С. Айний, Қуллар.

ТЕКШИРМОҚ 1 Тўғри-нотўғри, ҳақ-ноҳақлигини билиш мақсадида кўздан, эътибордан ўтказмоқ. *Иншони текширмоқ.* ▬ *Амирзодам, гапим ёлғон бўлса, бугун кечаси текшириб кўринг.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Дарсимни ҳам тайёрлаб бўлдим. Ана, дадамдан сўранг: текшириб кўрдилар.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Моҳиятини, ҳақиқий ҳолни билиш, аниқлаш учун кўздан, эътибордан ўтказмоқ. *Ишга қабул қилишда синаб кўриш – ишчи ёки хизматчининг унга топширилаётган ишга масъулиятини текшириб кўришдир.* Газетадан. *Энди овозини текшириб кўраман деяётганда, телефон жиринглади.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 Илмий асосда ўрганмоқ, таҳлил, тадқиқ қилмоқ. *Гулнинг тузилишини текширмоқ. Қоннинг таркибини текширмоқ.* ▬ *Кичик автобуслардаги лабораторияларда эса сув ва тупроқ таркибини текшириш, клиник тадқиқотлар олиб бориш мумкин.* Газетадан.

4 Назорат учун кўздан кечирмоқ, тафтиш, ревизия қилмоқ. *Қарорнинг ижросини текширмоқ. Кассани текширмоқ. Ферма хўжалигини текширмоқ.* ▬ *-Тўхта, қаерга борасан?.. Сен комиссия аъзосисан-ку. Текширишни битказганимиздан кейин, актга қўл қўйиб, сўнгра ўз ишингга борасан.* С. Айний, Қуллар.

ТЕКШИР-ТЕКШИР *с.т.* Устма-уст, қайта-қайта текширишлар. *Текшир-текшир қилмоқ. Текшир-текшир бошланмоқ.*

ТЕЛБА 1 Ақлдан озган, девона, жинни. *У бетлари юмдаланган, оппоқ сочлари юлинган бу телба хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлдошига ўхшата олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Осияжон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, ҳамма, қиз телба бўлган, деб унга қаради.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бирор нарсага, кимсага ортиқ даражада берилган; савдойи, шайдойи. *Фақир ҳам шу фикрнинг телба бандасидир.* Ойбек, Навоий.

3 Телбага хос, телбаликни акс эттирувчи; маъносиз. *Телба кўзлари билан Бектемирга боқди-да, укасининг қонли милтиғини чангаллади ва шамолдай учиб, Бектемирдан ҳам ўзиб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Сиз менинг телба сўзларимдан аччиғланманг.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *кўчма поэт.* Жиловланмаган, асов, «қутурган». *Телба дарё. Телба тўлқинлар.* ▬ *Жўш уриб, қирғоғини Хўплар эди телба сой.* Ғайратий. *Телба шамол қутуриб ҳамла қилди. Авайлаб ўстирилаётган ниҳолларни илдизи билан қўпориб кетди.* А. Набихўжаев, Мандат. *Хоразмда Амуни кўпдан Телба дарё деб аташади.* Э. Раҳим.

Телба тўнини тескари киймоқ *айн.* **тўнини тескари киймоқ** *қ.* **тўн**. *Баъзан телба тўнини тескари кийиб.. муомалалари дағаллашиб қолади.* Ғайратий, Довдираш.

ТЕЛБАЛАНМОК 1 Ақл-ҳушини йўқотмоқ, телба бўлмоқ. *Лаъли деган бу жувон Абдураҳмонбойнинг келини бўлган. Аммо Бўронбекка ишқи тушиб, унинг кўйида телбаланган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Телбага ўхшаш ҳолатга тушмоқ. *Совлиқнинг бунчалик телбаланиб чопишига энди тушунди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Зиёдилланинг қони миясига урди.. Аламига чидолмай, телбалана бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *кўчма* Шиддат билан пишқирмоқ, жўшга келмоқ, ўзини ҳар ёққа урмоқ, «қутурмоқ» (одатда сув ва шамол ҳақида). *Оқар жўшқин уроқ, Телбаланиб Хонариқ. Ювилар тинмай қирғоқ, Ҳарён тошган ҳайқириқ.* Ғайратий.

ТЕЛБАЛАРЧА Телбаларга ўхшаб, ақлдан озган каби. *-Ҳаётим! Топдим, олма орқасидасиз! — деб юборди у* [*Ғуломжон*] *телбаларча қувониб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гумонимча, иситмангиз қаттиқ ушлаган кўринадир ва телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзганга ўхшайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕЛБАЛИК 1 Телба эканлик. *Телба телбалигини тан олмайди.* Мақол.

2 Телбаларга, ақлдан озган, эс-ҳушини йўқотган кишиларга хос ҳолат, хатти-ҳаракат; жиннилик. *Телбалик излари йўқолиб, ақл ва ҳусн барқ уриб турган кўзларга боқиш унга* [*Адолатга*] *сира тенгсиз бир лаззат бағишларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ТЕЛБАНАМО Телбалар каби, телбага ўхшаш, жиннисифат. *Телбанамо киши.* ▬ *Каримжон урушга кетгач, Асрора бирон ой телбанамо бўлиб юрди-ю, дарров ўзини ўнглаб олди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ТЕЛБАСАРО *кам қўлл.* Телбаларга ўхшаш, ақлу ҳушини йўқотган; девонасифат. *Телбасаро эмишсан гоҳи, Қийнар эмиш сени ташна лаб. Уйларингни узун тунлари Қора фикр олармиш қамраб.* Т. Тўла.

ТЕЛБА-ТЕСКАРИ Бир-бирига боғланмаган, пойинтар-сойинтар, тартибсиз. [*Ғофиржон*] *Розия холанинг телба-тескари гапларини кўнглига олган бўлса, эҳтимол.* Н. Назаров, Замон. *Жангчиларимиз телба-тескари отишмадан гитлерчиларнинг мақсадларини аниқлаш учун ўзаро мунозара қилишар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТЕЛЕ- [*юн.* tele — узоқ, олис; узоққа, олисга] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми: 1) узоқ масофадан туриб ҳаракат қилувчи ёки амалга оширувчи; 2) «телевизион» маъносига мувофиқ келувчи маъноларини билдиради. Мас., *телеалоқа, теледастур, телекўрсатув, телеминора* каби.

ТЕЛЕБОШҚАРИШ *айн.* **телебошқарув.**

ТЕЛЕБОШҚАРУВ Муайян объектнинг ишини назорат қилиш, зарур ҳолларда унинг иш режимини ўзгартириш ва б. учун мўлжалланган бошқариш қурилмалари мажмуи; узоқдан туриб бошқариш, масофадан бошқариш. *Республикадаги ҳамма гидроэлектростанцияларда автоматлаштирилган телебошқарув жорий қилинган.* ▬ *Телебошқарув аппаратлари денгиз остида, худди одам каби, ҳатто объектларни аниқлаб, маълумотларни таҳлил эта олади.* «Фан ва турмуш».

ТЕЛЕВИДЕНИЕ [теле.. + *р.* видение — кўриш < *лот.* visio — кўриш] Ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз объектларнинг тасвирини товуш билан бирга радиоэлектрон воситалар ёрдамида муайян масофага узатиш ва қабул қилиш; узоқдан кўриш; ахборот тарқатиш воситаларидан бири. *Тошкент телевидениеси. Телевидение техникаси. Телевидение орқали кўрсатиш ва эшиттириш.* ▬ *Радио, кино, телевидение ҳаётга чуқур кириб борган ҳозирги шароитда ҳам бадиий асарларга эҳтиёж ортиб бораётгани шундан далолат беради.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Фан ва техниканинг ҳаракатдаги объект тасвирини масофага узатиш билан боғлиқ соҳаси.

3 Телекўрсатув, телеэшиттириш ишлари билан шуғулланувчи муассаса ва у жойлашган жой.

ТЕЛЕВИЗИОН Телевидениега оид. *Телевизион антенна. Телевизион кўрсатув. Телевизион марказ. Телевизион минора.*

ТЕЛЕВИЗОР [теле.. + *лот.* visio – кўриш; кўрсатув] Телестудиядан узатиладиган телесигналларни тасвир ва овоз тарзида қабул қилиб кўрсатадиган ва эшиттирадиган аппарат. *«Рубин» маркали телевизор. Телевизорни ўрнатмоқ. Телевизорда концерт кўрмоқ.* ▬ *Уй тўридаги столда турган телевизор унинг* [*Холмирзанинг*] *диққатини кўпроқ тортди.* Ҳ. Назир, Одамнинг қадри. *Баширжон кўпчилик шоирларни телевизорда.. кўрар эди.* Н. Аминов, Суварак.

ТЕЛЕВИЗОРЧИ *с. т.* Телевидение бўйича мутахассис; телевизор тузатувчи уста. *Ўтган куни телевизорчилар келиб, уни* [*Қувондиқни*] *суратга олишган, хийла овора қилишган эди.* С. Абдуқаҳҳор, Қувондиқ.

ТЕЛЕГА [*р.* телега – бир от қўшиладиган арава тури] Тўрт ғилдиракли арава. *Телегада гўнг ташиётган Дилшод ва Анзират йўлда учраб, гоҳо унга ҳазиллашар эдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТЕЛЕГРАММА [теле.. + *юн.* gramma – ёзув] Телеграф орқали узатилган ёки қабул қилиб олинган шошилинч хабар, ҳужжат ва шундай хабар ёзилган қоғоз. *Қутлов телеграммаси. Телеграмма юбормоқ. Телеграмма олмоқ.* ▬ *Грейдернинг ёрдамчи куч сўраб берган телеграмма, радиограммаларига турлича ноаниқ жавоблар келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЕЛЕГРАФ [теле.. + *юн.* grapho – ёзаман] **1** Узоқ масофаларга телеграмма, радиотелеграмма тарзида шошилинч хабар узатиш ёки уни қабул қилиб олиш учун хизмат қиладиган алоқа тизими ва унинг воситалари. *Телеграфнинг кашф этилиши. Телеграф станцияси. Телеграф алоқаси. Телеграф аппарати. Телеграф симлари.* ▬ *Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган.* Р. Файзий, Таъзим.

2 Шундай хабарларни юборадиган ва қабул қилиб оладиган алоқа муассасаси ва унинг биноси. *Тошкент марказий телеграфи. Телеграфга бормоқ. Телеграфда ишламоқ.*

ТЕЛЕГРАФИСТ 1 Телеграфия мутахассиси.

2 Телеграммалар юборувчи ва қабул қилиб олувчи телеграф ходими. *Телеграфист бўлиб ишламоқ.*

ТЕЛЕГРАФИСТКА Телеграфист аёл.

ТЕЛЕГРАФИЯ [теле.. + *юн.* grapho – ёзаман] **1** Ёруғлик, радио ва электр сигналлари воситасида узоққа тез хабар етказиш техникаси.

2 Фан ва техниканинг телеграф алоқани ташкил қилиш тартиб-қоидаларини ўрганиш, телеграф сигналларини узатиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширувчи аппаратлар яратиш билан шуғулланувчи соҳаси.

ТЕЛЕЖКА 1 Кичкина телега; аравача (*қ.* **телега**). *Маҳсулот ортилган машиналар, тележкалар музхона ва пункт томон ошиқади.* М. Назаров, Яхшини мақтаса ярашур.

2 Баъзи машина ва механизмларнинг сурилма қисми. *Минорали кран тележкаси.*

ТЕЛЕИНСЦЕНИРОВКА [теле.. + инсценировка] Телевидение орқали берилган инсценировка.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ [теле.. + коммуникация] Сигнал, белги, матн, тасвир, овоз ва б. турдаги ахборотларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимлари мажмуи.

ТЕЛЕКОМПАНИЯ [теле.. + компания] Тегишлича жиҳозланган телевизион студияга эга бўлган ва телекўрсатувлар олиб борувчи хусусий ёки давлат корхонаси.

ТЕЛЕКС [*ингл.* telex < tel(egraph) – телеграф + ex(change) – коммутатор, алмаштирувчи, ўзгартирувчи] **1** Абонентлараро икки томонлама телеграф хабарлар алмашиш учун мўлжалланган халқаро телеграф, алоқа тармоғи.

2 Шундай алоқани амалга ошириш аппарати.

ТЕЛЕМАРАФОН [теле.. + марафон] Узлуксиз, кўпинча сутка давомида кўрсатиладиган, одатда хайрия мақсадларини кўзлаб уюштириладиган телевизион кўрсатув.

ТЕЛЕМАРКАЗ, телевизион марказ Телевидение алоқаси учун хизмат қиладиган, махсус ускуналанган муассаса ва унинг биноси.

ТЕЛЕМАРКЕТИНГ [теле.. + маркетинг] Телевидение орқали товар ва хизматларни тарғиб қилиш ва сотиш.

ТЕЛЕМЕТРИК Телеметрияга оид. *Телеметрик аппарат. Йўлдош кеманинг телеметрик системаси.*

ТЕЛЕМЕТРИЯ [теле.. + *юн.* metreo – ўлчайман] Турли физик катталикларни узоқдан ўлчаш ва унинг усуллари ҳақидаги фан.

ТЕЛЕМЕХАНИЗАЦИЯ [теле.. + механизация] Ишлаб чиқариш жараёнларини узоқдан бошқариш ва назорат қилишда алоқа воситаларидан фойдаланиш.

ТЕЛЕМЕХА́НИК Телемеханика мутахассиси.

ТЕЛЕМЕХАНИ́К Телемеханикага, узоқдан бошқаришга оид; узоқдан бошқариш учун хизмат қиладиган. *Телемеханик аппаратура. Телемеханик система.*

2 Телемеханика воситасида амалга ошириладиган. *Телемеханик назорат.*

ТЕЛЕМЕХАНИКА [теле.. + механика] **1** Техниканинг ахборотларни кодлаш, уларни симли алоқа ва радиоалоқа каналлари орқали узатиш воситаларини ишлаб чиқиш, яратиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи бўлими.

2 Ахборотларни узоқдан бошқариш ва назорат қилиш мақсадида уларни узатиш ҳамда қабул қилиш воситалари ва усулларини ишлаб чиқувчи фан. *Автоматика ва телемеханика соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари.*

ТЕЛЕНАЗОРАТ [теле.. + назорат] Объектларни телемеханика воситалари билан масофадан туриб текшириш, назорат қилиш.

ТЕЛЕОБЪЕКТИВ [теле.. + объектив] Узоқдаги нарсаларни катталаштириб суратга олишда, шунингдек, портрет сурат яратишда ишлатиладиган фотообъектив.

ТЕЛЕПАТИЯ [теле.. + *юн.* pathos – сезги; сезиш, ҳис қилиш] *псхл.* Баъзи одамларда фикр ва ҳис-туйғуларни сезги аъзолари иштирокисиз муайян масофага узатиш қобилияти.

ТЕЛЕСКОП [теле.. + *юн.* skopeo – кўраман] Осмон жисмларини кузатиш, суратга олиш ва ўрганиш учун мўлжалланган астрономик оптик асбоб. *Астрономлар тахминан 350 йилдан бери телескоп орқали Ойни ўрганадилар.* ▬ *Телескоп кўзимизни Сурайёдан ўтказди, Радио сўзимизни Жаҳонларга етказди.* Ғ. Ғулом.

ТЕЛЕСКОПИК 1 Телескопга оид. *Телескопик линза.*

2 Телескоп воситасида амалга ошириладиган. *Телескопик кузатишлар.*

3 *тех.* Бўйлама ёки юқорилама суриладиган ёки сурилиб турадиган қисми бўлган. *Телескопик кран. Телескопик антенна. Мотоциклнинг телескопик вилкаси.*

ТЕЛЕСКОПИЯ Осмон жисмларини телескоп орқали кузатиш.

ТЕЛЕСТУДИЯ [теле.. + студия] Телевизион марказ қошидаги бевосита телевидение кўрсатувлари олиб бориладиган студия. *Сени излаб, консерваторияга бордим, телестудияда, дейишди. Оёғимни қўлимга олиб, у ёққа югурдим, кейин бу ёққа.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

ТЕЛЕТАЙП [*ингл.* teletype < теле.. + *ингл.* type – машинкада ёзиш] Ёзув машинкасига ўхшаш клавиатурали, узоқдан юборилган ахборотларни қоғоз лентага автоматик равишда ёзиб оладиган механизмли телеграф аппарати. *Хабарни телетайп орқали узатмоқ. Телетайп лентаси.*

ТЕЛЕТАСВИР [теле.. + тасвир] Телевидение орқали узатилган ва телевизор экранида қабул қилинган тасвир. *Космосдан берилган телетасвир.*

ТЕЛЕТОМОШАБИН [теле.. + томошабин] Телевизор орқали берилаётган кўрсатиш ва эшиттиришларни кўрувчи ва эшитувчи томошабин. *Телетомошабинларга манзур бўладиган дастур.* ▬ *Радио ва телевидениенинг бир қанча программалари радиоэшитувчи ёки телетомошабинларни қизиқтирмайди.* Газетадан.

ТЕЛЕФАКС [*ингл.* telefacs < теле.. + *лот.* fac simile – айнан шундай, ўхшаш бажар] *тех.* **1** Босма ахборотларни узатишга мўлжалланган халқаро факсимил телефон алоқаси.

2 Шундай алоқани амалга оширишга мўлжалланган, ҳарф босиш мосламаси бўлган аппарат; факсимил аппарат.

3 Шундай алоқали абонент номери, рақами.

ТЕЛЕФИЛЬМ [теле.. + фильм] Телевидение учун мўлжаллаб ишланган фильм; экран санъатининг бир тури.

ТЕЛЕФОН [теле.. + *юн.* phone – товуш, овоз] **1** Узоқдан туриб сўзлашишга, овоз, нутқни масофага узатишга хизмат қиладиган электр алоқа қурилмаси ва унинг сигнал қўнғироғи ҳамда гаплашиш трубкаси бўлган аппарати. *Телефонда (телефон орқали) гаплашмоқ. Телефон билан хабар қилмоқ. Телефон станцияси.* ▬ *Телефон жиринглади. Сулаймонов трубкани олди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун. *Китоб мутолаа қилиб ўтирган Нормурод бир сапчиб тушди-ю, қўрқа-писа телефонга қўл чўзди.* О. Ёқубов, Диёнат.

2 Телефон алоқанинг қисқа номи. *Баъзи газета ходимлари материалларни телефон орқали оладилар.* «Муштум».

Телефон қилмоқ (*ёки* **қоқмоқ**) Телефонда, телефон орқали гаплашмоқ. [*Хуморхон*:] *Ҳа, айтгандай, кимдир телефон қилиб, сизни сўраган эди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Муродова Қосимовга, Қосимов эса бошқармага телефон қоқа бошладилар.* И. Раҳим, Ихлос.

ТЕЛЕФОНБОЗ [телефон + *ф.* باز – яхши кўрувчи, ўйновчи] *с.т.* Телефон орқали гаплашишни яхши кўрадиган, идорадан чиқмасдан, телефон орқали иш битиришга уринадиган шахс. -*Тағин телефонбоз бўлиб кетибди, деб ўйламанглар, – гап қистириб қўйди Асадулла [мухбирга].* Т. Хўжақулов, Секретарнинг ён дафтаридан.

ТЕЛЕФОНБОЗЛИК *с.т.* Идорадан чиқмасдан, телефон орқали иш битиришга уриниш, узлуксиз телефонда гаплашиш; телефонда гаплашиб вақт ўтказиш. *Ҳамма иш қоғозбозлик ва телефонбозликдан иборат бўлиб қолмоқда.* Газетадан.

ТЕЛЕФОНИСТ *қ.* **телефончи**.

ТЕЛЕФОНИСТКА 1 Телефончи аёл. *Смена тугади. Фотима опа ҳам, бошқа қизлар ҳам меҳнат постларини бошқа телефонисткаларга бўшатиб беришди.* С. Маҳмудова, Фотима.

ТЕЛЕФОНИЯ Фан ва техниканинг телефон алоқага доир омилларни ўрганиш ва бундай алоқани амалга ошириш учун мўлжалланган аппаратларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳаси.

ТЕЛЕФОНЛАШМОҚ *с.т.* Бир-бирига телефон қилмоқ, телефон орқали гаплашмоқ. *Байрамгача яна бир телефонлашамиз. Энди тез-тез телефонлашиб турайлик.* ▬ *..кечқурун телефонлашиб, эрта билан Ҳафиза Патилахонлар оиласи билан машинада Водилга жўнади.* Мирмуҳсин, Умид.

ТЕЛЕФОНЛАШТИРМОҚ Бирор жойда телефон алоқаси ўрнатмоқ, бирон ҳудудни телефон билан таъминламоқ. *Қишлоғимизни аллақачон телефонлаштирганмиз.*

ТЕЛЕФОНОГРАММА [телефон + *юн.* gramma – ёзув, хат] Телефон орқали берил(ади)ган ва қабул қилиб олин(ади)ган шошилинч расмий хабар ва шундай хабарли бланк. *Телефонограмма юбормоқ.* ▬ *Бекмирзаев телефонограммани қайта ўқиб чиқди-да, баттар паришон бўлиб қолди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Ҳайдаров телефонограмманинг оғирлигини салмоқлагандек, уни қўлида тутиб, ўйга толди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ТЕЛЕФОНЧИ 1 Телефон станциясининг ходими. *Телефончи қиз бир соат кутишни сўради.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Қайта-қайта трубкани олиб, телефончи қизга қанчалик ялиниб-ёлвормасин, ҳеч улашнинг иложи топилмади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Телефон линияларида ишловчи, телефон линиялари ўтказувчи мутахассис.

ТЕЛЛУР [*лот.* tellus, telluris – ер] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон кўкиш-оқ рангли мўрт металл. *Яримўтказгичлар ҳосил қилишда.. теллур, индий, галлий каби нодир металлар муҳим роль ўйнайди.* «Фан ва турмуш».

ТЕЛМИРМОҚ *с.т.* Термилмоқ. *Наҳот ўтган-кетганнинг қўлига телмириб, қарибчириб адо бўлажакман?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТЕЛОВ: ақлингга телов текканми? *шв.* Ақлдан оздингми? Ақлингни едингми? Сенга нима бўлди?

ТЕЛОГРЕЙКА [*р.* тело – тана, бадан + греть – иситмоқ, қизитмоқ] Олди тугмаланадиган калта қавима пахталик; уст кийим. *Бригада бошлиғи Жумақўзи Абдураимов.. эгнида телогрейка, пахтазор оралаб юрган экан.* Х. Тўхтабоев, Оқ олтин хирмон-хирмон.

ТЕЛПАК 1 Тепаси юмалоқ, доира шаклли, текис мўйна жиякли иссиқ бош кийими. *Савсар телпак.* ▬ *Кимки, оёғи толиб, сал орқада қолса, тулки телпак кийган бадқовоқ қўрбоши бешотар қўндоғи билан унинг курагига туртиб, пештаҳам сўзлар билан сўкади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Қундузсиз телпак Мўйна жияги бўлмаган, фақат ичига мўйна қопланган бош кийими. *Кўса, озғин, кенг гуппи тўн ва қундузсиз телпак кийган бир киши кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *с.т.* Мўйнали ҳар қандай иссиқ бош кийими (қулоқчин, папах, тумоқ ва ш.к.). *Мен Раҳимовни оддий кишилар, солдатлар орасида учратдим, унинг устида пўстини ва бошида қоракўл телпаги бор эди.* А. Раҳмат, Генералнинг шуҳрати. *Ўрта бўйли, озғин, қора чарм телпакни бошига бостириб кийган кишини учратсам, Гавҳарнинг дадасимикан, деб юрагим ўйнаб кетади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Усубалининг сербар телпак остидаги калласи барра пўстин ичига кириб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕЛПАКДЎЗ Телпак тикадиган, тайёрлайдиган косиб. *Бу кўчада бой савдогар, узангисоз, саррож, маҳсидўз, кавушдўз, телпакдўз, дурадгор каби ҳунармандлар бор.. эди* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ТЕЛПАКДЎЗЛИК Телпак тикиш иши, касби. *Телпакдўзлик қилмоқ.*

ТЕЛПАКЛИ Бошида телпаги бор, телпак кийган. *Эргаш перронда чемодан кўтариб турган тулки телпакли йигитнинг ёнига борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шайхнинг кўзи ташқарида, қабристон томон эшагини нуқиб келаётган телпакли кишида эди.* С. Сиёев, Аваз.

ТЕЛПАКЧИ 1 *айн.* **телпакдўз**. *..унинг келиб чиқиши ҳам камбағал оиладан — бир телпакчи косибнинг ўғли эди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Телпак сотувчи; телпакфуруш.

ТЕЛЧИРАМОҚ *айн.* **терчиламоқ**.

ТЕМА [*юн.* thema — асосида бўлмоқ] *қ.* **мавзу**. *Клуб мудири бугунги лекциянинг темасини, лекторнинг номини жуда керилиб, писанда қилиб эълон қилди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТЕМАТИК Мавзу ёки мавзулар мажмуига доир, бирор мавзуга бағишланган. *Тематик концерт. Тематик кўргазма.* ▬ *Ойда бир марта оилавий тематик кечалар ўтказиб турилади.* Газетадан. *Турли воқелик ва янгиликларни ёйишда.. тематик стенд ва кўрсаткич тахталари алоҳида ўрин тутади.* Газетадан.

ТЕМАТИКА Танлаб олинган, ишланган ёки ишланаётган мавзулар мажмуи. *Ёзувчи ижодида ҳозирги замон тематикаси.* ▬ *Фестивалда кўрсатилаётган фильмларнинг тематикаси, жанри ранг-баранг.* Ҳ. Акбаров, Изланиш йўлида.

ТЕМБР [*фр.* timbre] Бир пардадаги, бир хил баландликдаги ҳар бир товушнинг ўзига хос томони, сифати, товланиши. *Тембр — ҳар бир мусиқа асбобининг ёки ашулачи овозининг ўзига хос характеридир.* ▬ *Чолғу асбобининг тузилиши ва шаклига кўра, унинг тембри турлича бўлиши мумкин.* И. Акбаров, Музика саводи.

ТЕМИР 1 Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, болғаланганда яссиланадиган, исталган шаклга кирадиган, углерод билан қўшилганда, пўлат ва чўян ҳосил қиладиган қорамтир кумуш рангли оғир металл. *Соф темир.* ▬ *Магнит ҳам темирни домига тортади, кесакни торта олмайди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Унинг* [*Қоратойнинг*] *ўн уч яшар ўғли дам босиб, кичик болға билан темирни уриб, дадасига ёрдамлашарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Умуман, темир, пўлат ва ш.к. лар ва улардан ясалган буюм-нарсалар. *Темир қошиқ. Темир кўприк. Темир панжара. Темир ўчоқ. Темир дарвоза.* ▬ *Йигит узоқда ҳайбатли темир уюмлари сингари ағнаб ётган пачоқ паровозларга тикилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Самолётнинг кичкинагина зинапоясига бир оёғимни қўйиб, эшигидан ушлаган эдим, қўлларим темирга чип этиб ёпишиб қолса бўладими!* Н. Фозилов, Дийдор.

Темир дафтар *с.т. кўчма* Ёзувлари қонун кучига эга бўлган дафтар. *Буларнинг ҳаммаси унинг бўйнида қарз бўлиб ётарди. Булардан ташқари, отасининг дафн харажатлари ҳам темир дафтарда ёзиғлиқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Темирни қизиғида босмоқ** Ҳар ишни ўз вақтида, фурсатни бой бермай амалга оширмоқ. «*Темирни қизиғида бос» деган мақолга амал қилиб, унга мадҳ-сано ўқишга бошлади.* Ойбек, Навоий.

3 Темир (эркаклар исми)

ТЕМИРАТКИ Ташқи кўриниши, кечиши ва келиб чиқиш сабаблари турлича бўлган кўпчилик тери касалликларининг умумий номи. *Эчкининг сути темираткига дори бўлармиш. Бу Луқмони Ҳакимдан қолган гап.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТЕМИР-БЕТОН Ичига темир чивиқлар ўрнатиб қуйилган бетон. *Темир-бетон буюм-*

лари заводи. Темир-бетон устунлар. Темир-бетон шпаллар. Темир-бетон иншоот.

ТЕМИРТАК 1 Темир парчаси. *Бу кичкина тугунчак ичида мозор тупроғи, темиртак, тобутнинг чўпи, совун, ўлик тирноғи ва ҳоказолар бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ҳеч нарсага ярамайдиган, эски ўтмас пичоқ. *Сабзи тўғраш учун шу темиртакдан бошқа пичоқ топилмадими?* ▬ *Опа дудуқланиб ва ёнида турган темиртак пичоқни олиб, Саидийга қаради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТЕМИР-ТЕРСАК Ишдан чиққан темир ва б. металл буюмлар; темир ва б. металл чиқиндилари. *Темир-терсак йиғмоқ.* ▬ *Ишлатилмаган тракторнинг уйилиб ётган темир-терсакдан нима фарқи бор?* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТЕМИРТОШ *мин.* Темир рудаси. *Магнит темиртош. Қизил темиртош.*

ТЕМИРЧИ Темирни болғалаб, ундан турли буюмлар ясайдиган ҳунарманд. *Ниначининг минг ургани, темирчининг бир ургани.* Мақол. ▬ *Катта кўча. Ўнг томонида Темирчилар босқон босади.* Э. Раҳим. *Мулла Фазлиддин ўтда куймайдиган, сув кирмайдиган бу сандиқни Қуванинг темирчи усталарига буюртма бериб ясаттирган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Гапга темирчи *эск.* 1) гапни жуда чўзиб юборадиган, эзмалик қиладиган, эзма; 2) гапни айлантирадиган гап билан алдайдиган. -*Тавба, — деб кулди Кумуш, — сен қўрқмасанг ҳам бўлади, деб тағин нина тиқасиз. Мана шуни, гапга темирчи, деб айтадилар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Отанг темирчими?** *ёки* **отанг темирчи ўтганми**? Мунча эзмасан, гапни чўзма, деган маънода ишлатиладиган ибора. *Отанг темирчи ўтганми ўзи, гапни чўзиб нима қиласан?* С. Абдуқаҳҳор, Аччиқ дори.

ТЕМИРЧИЛИК 1 Темирчи иши, касби. *Темирчилик билан рўзғор тебратмоқ.* ▬ *Бу маҳаллада унга [Йўлчига] маъқул бўлган икки киши бор эди. Бири — гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратой, иккинчиси — Шокир ота номли маҳсидўз чол.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *эск.* Темирчиларнинг дўкон ёки ишхоналари ўрнашган жой, раста, кўча.

Гапга темирчилик *эск.* 1) гапни чўзиш, эзмалик қилиш. *Гапга темирчиликдан худой сақласин, ота-онам темирчи ўтган эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) гапни айлантириш, гап билан алдаш. *Кишини бўғасиз, Зайнаб! Гапга темирчилик яхши эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕМИРҚОЗИҚ (Т-*катта*) *айн.* **Қутб юлдузи** *қ.* **қутб 1**.

ТЕМП [*итал.* tempo < *лот.* tempus — вақт] *қ.* **суръат.** *Ҳозирги куннинг темпи билан ўсиб боролмаган киши орқада қолиб кетиши турган гап.* Газетадан.

ТЕМПЕРАМЕНТ [*лот.* temperamentum — (қисмларнинг) мутаносиблиги, тенг ўлчамлилиги] *қ.* **мизож.**

ТЕМПЕРАТУРА [*лот.* temperatura — тўғри нисбат, одатий ҳолат] *қ.* **ҳарорат.**

ТЕМУРИЙ Темурийлар сулоласига мансуб шахс; Темур авлоди.

ТЕМУРИЙЛАР 15—16-асрларда Ўрта Осиёдаги турли давлатларда ҳукмронлик қилган Амир Темур авлодлари.

ТЕНГ 1 Ўлчами, ҳажми, катта-кичиклиги, сони ва ш. к. жиҳатидан ўхшаш, бир хил, баравар. *Тенг масофалар. Узунлиги тенг ёғочлвр. Тенг еганни тангри севибди.* Мақол. ▬ *«Биз қачон ўқиймиз?» деб Қамишкапанинг тенг ярми бўлган аёллар талаб қилса-ю, уларнинг талабини қондириш биринчи галда советнинг вазифаси эмасми?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Икки томони тенг бўлган учбурчак тенг ёнли учбурчак дейилади.* «Геометрия».

2 Ёши жиҳатидан баравар, тенгдош, тенгқур. *Тенг болалар.* ▬ *Ўктамбой ҳам ўз тенглари ичида дуркун, орқасида олти пуд юк кўтариш билан мақтанадирган йигит.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Аҳамияти, тутган ўрни, мавқеи, нуфузи, ҳақ-ҳуқуқи ва ш.к. жиҳатидан ўхшаш, бир хил, баравар. *Бу ерда у [Элмурод] биринчи марта ўзини бошқалар билан тенг одам ҳис қилар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг [Умри] учун оламда ўзига тенг одам йўқ, у билган одамлар ё ўзидан паст, ё ўзидан юқори.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Тўлиб етилган қиз энди унинг [йигитнинг] кўз олдида тенги топилмас гўзал бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Хуморхон:*] *Бурунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар билан тенг.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 Бир-бирига мос, мувофиқ, муносиб. *Тенгини топсанг, текин бер.* Мақол. *Тенг-*

тенги билан, тезак қопи билан. Мақол. *Чин дўст туғишганинг билан тенг.* Мақол. ▬ *Мен ҳеч сенинг тенгинг эмасман. Омоним бор — сени демасман.* Ҳ. Олимжон. *Акаси муносиб, ахлоқли, одобли, ор-номусли йигит бўлса, бу қиз ҳам унинг тенги, муносиби эди.* «Муштум».

5 *рвш.* Бир-биридан қолишмай ёки ўзмай, айни бир пайтда, бир вақтнинг ўзида; баравар. *Улар тенг туғилган. Бу кўчатлар тенг экилган. Тенг ишламоқ.* ▬ *Тоҳир-Зуҳра ҳолидан бир калима эшитинг: Ўқиб, ўйнаб бир боғда улғаяр эдилар тенг.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

6 *кўм. взф.* (*3-ш. эгалик шаклида*) Тенглик жиҳатдан ўхшатиш, қиёс маъносини билдиради; қатори. *Бу — қотмадан келган, қорача, лейтенант Султонов тенги йигит эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [*Оқилжон*] *Ўзи яхшигина, сиз тенги киши эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Халқ тенги дам олмоқ — бу ҳуқуқимиз..* Ойбек, О.в. шабадалар.

Тенг баравар *с.т.* Икки ҳисса; икки ҳисса кўп, икки марта ортиқ. *Тенг баравар фойда олмоқ.* **Тенг бўлмоқ** 1) баравар икки ёки бир неча қисмга ажратмоқ; баравар тақсимламоқ. *Қовунни олти кишига тенг бўлмоқ. Ёнғоқларни болаларга тенг бўлиб бермоқ;* 2) бир хил, баравар бўлмоқ, тенглашмоқ; фарқ қилмаслик. *Мана, ўша қадимий чўл.. Бахшилар: «Унча-мунча ер унга енг бўлмас, енг бўлса ҳам, тенг бўлмас», деб атаган.. чўл.* А. Пўлат, Чўлдаги машъал; 3) биров билан айтишиб, тортишиб, унга бас келмоқ, баравар келмоқ. *Кейин ўғлининг қўлтиғидан олиб, бир четга тортди: -Булар билан тенг бўлманг, ўғлим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тенг келмоқ** *айн.* **тенг бўлмоқ 2, 3**. *Маҳалладаги турли қизиқчиликлар ва ҳазилвонликларда Юсуфжонга тенг келадиган йўқ эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Одамлар завқ билан ҳазил қилишди: -Сизга тенг келиб бўладими? Сиздан йиқилиб, бир ҳафта белимизни ололмай юрмайлик тағин, қўйинг-е.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тенг кўрмоқ** (*ёки* **қарамоқ**) 1) аҳамияти, мавқеи, мартабаси ва ш.к. дан қатъи назар, бир хил муносабатда бўлмоқ. *Дадамиз ҳаммамизни тенг кўрар эдилар*; 2) тенглаштирмоқ, баравар, бир хил, тенг ҳуқуқли деб ҳисобламоқ. *Ҳадемай, масъулият ҳиссини ғурур енгди: Бўтабой ҳеч кимни ўзига тенг кўрмайдиган.. бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тенг шерик** Тенг фойдаланиш, тенг бўлиб олиш шарти билан тузилган шерикчилик. **Тенги йўқ** Мос тушадигани, монанди, тенг келадигани йўқ; ягона. *Орол бўйидаги кўчманчи қабилаларга ақл-фаросатда тенги йўқ, ҳуснда танҳо Олтиной исмли аёл бошчилик қилар экан.* «Ўзбекистон қўриқлари». *-Ерни ковлаш ишлари бўлса, мана бу оғайниларга қўйиб берасиз, — деди ёш чўпон чап қаторда ўтирган ака-укаларни кўрсатиб, — қудуқ қазишда буларнинг тенги йўқ.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Тупроқ билан тенг қилмоқ** 1) ер билан яксон қилмоқ, вайрон қилмоқ. *Уруш кўп шаҳар ва қишлоқларни тупроқ билан тенг қилди;* 2) хор қилмоқ, поймол, оёғости қилмоқ. [*Ғофир:*] *Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми?!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ТЕНГДОШ 1 Ёши баравар, тенг, тенгқур. *Тенгдош болалар. Биз у билан тенгдошмиз.* ▬ *Жоним ўғлим, қаҳрамон бўл меҳнатда, Тенгдошларга намуна бўл ғайратда.* Ҳабибий.

2 Бир вақтда майдонга келган, туғилган, юз берган. *Таржима тарихи адабиёт тарихи билан тенгдош.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Тарихингдир минг асрлар Ичра пинҳон, ўзбегим. Сенга тенгдош Помиру Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.* Э. Воҳидов.

ТЕНГКУНЛИК Йилнинг тун билан кун тенг бўладиган вақти, куни. *23 сентябрь — кузги тенгкунлик куни Қуёш осмон экваторини шимолий яримшардан жанубий яримшарга кесиб ўтади.* «Фан ва турмуш».

ТЕНГЛАМА *мат.* Таркибида ўзаро боғланган икки ёки бир неча номаълум катталиклар (сонлар ёки функциялар) бўлган математик тенглик. *Биринчи даражали тенглама. Квадрат тенглама.* ▬ *Кимёвий реакциянинг шартли равишда символлар ва формулалар билан ёзилиши «кимёвий тенглама» деб аталади.* «Кимё» дарслиги.

ТЕНГЛАМОҚ 1 Тенг қилмоқ, тенг ҳолга келтирмоқ. *Ёғочларни бир-бири билан тенгламоқ. Ҳажмини тенгламоқ.*

2 Тенг деб билмоқ; тенглаштирмоқ, қиёсламоқ. *Бизнинг Фарғонани ҳеч бир ерга тенглаб бўлмайди.* Мирмуҳсин, Умид. *Тошқин*

Амударёни Тенглаб бўлмас сой билан. Х. Сеитов. *Қудрат ўзини Мунисхонга тенглаб кўрди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ТЕНГЛАШМОҚ 1 Бирор жиҳатдан, (мас., мавқеи, ҳуқуқи, билими, ҳажми ва ш.к. жиҳатидан) бошқа билан тенг, баравар бўлмоқ, бараварлашмоқ. *Кучлар тенглашди. Ўйинда ҳисоб тенглашди.* ▬ *Бобур мирзо отдан тушганда, бўйи ўсиб, катта йигитларга тенглашиб қолгани билинди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Умурзоқ ака қишлоқ тарафдан отни йўрғалатиб келиб, уларга тенглашиб олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Кураш, баҳс ва ш.к. да тенг бўлмоқ, тенг бўлишга ҳаракат қилмоқ. *-Узр айт, болам. Золим билан тенглашма! — деди чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз билан тенглашиш келинимнинг итига ор, мушугига номус.* С. Зуннунова, Янги директор.

ТЕНГЛАШТИРМОҚ 1 Тенглашмоқ фл. орт. н. *Кучларни тенглаштирмоқ. Экинларни тенглаштириб олмоқ. Болаларни билим жиҳатидан тенглаштириб олмоқ.* ▬ *Ҳакимбойвачча.. оиласи билан ҳеч қандай оилани тенглаштирмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қиёсламоқ, таққосламоқ, ўхшатмоқ. *Онам мени иш учун туққан эмас. Сен мени ким билан тенглаштирасан?* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЕНГЛИК 1 Тенг ҳолатга эгалик, тенг ҳолатлилик (ҳажм-ўлчам, сифат, мавқе ва б. жиҳатдан). *Учбурчаклар тенглиги. Кучлар тенглиги.*

2 *ҳуқ.* Жамиятдаги барча шахс, гуруҳ, қатлам ва ш.к. нинг қонун олдида бараварлиги, тенг ҳуқуқлилиги; ҳақ-ҳуқуқда бараварлик. *Тенглик бермоқ. Тенгликка эришмоқ. Тенглик — кенглик.* Мақол. ▬ *У ерда тенглик ва дўстлик, севги ва меҳнат — оила бахтининг манбаи.* Ойбек, Нур қидириб.

3 *мат.* Муайян катталиклар ўртасида бир катталик иккинчисига тенг эканини кўрсатувчи ўзаро нисбат. *Учбурчаклар тенглиги. Тенглик ишораси* (=).

ТЕНГЛИКДА *рвш. кам қўлл.* Баравар, биргаликда, бир вақтда. *Иккиси* [*қутидор билан Отабек*] *тенгликда қушбегига қарши чўккаладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕНГСАЛМОҚ *шв.* Селкилламоқ, солланмоқ. *Қараса, ўша ўзини алдаган паризод.. қалқиб, минган оти йўлдан чиқиб, тенгсалиб, терваниб.. бораётган экан.* «Муродхон». *Бойсарининг уйин кўриб, Ҳар ёққа тенгсалиб ўтди..* «Алпомиш».

ТЕНГСИЗ 1 Тенги, мисли йўқ, мислсиз; ҳаддан зиёд. *Тенгсиз гўзал қиз. У сўз санъатида тенгсиз эди.* ▬ *-Ўзим кўрмадим, — деди Офтоб ойим, — аммо кўргувчиларнинг сўзларига қараганда, ўхшашсиз кўркам, тенгсиз ақлли бир йигит эмиш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фашист газандалари халқ хўжалигига тенгсиз зарар етказдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бирор жиҳатдан (мас., мавқе, ҳақ-ҳуқуқ, куч-қудрат ва б. жиҳатдан) тенг келолмайдиган, тенг бўлмаган. *Тенгсиз билан тенг бўлма!* Мақол. ▬ *Мақол бор: орзуга айб эмасдир, Йигитман, менга сен тенгсиз демасдир.* Ҳабибий. *Биз мамлакат ичкарисидаги қисмларни чегарага тўплай олмадик. Биринчи кунларда тенгсиз жанглар бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЕНГСИЗЛИК 1 Тенг бўлмаган ҳолат; эгалик, мавқе, даража ва ш.к. да тенг эмаслик; тенгсиз ҳолат. *Ҳуқуқий тенгсизлик. Иқтисодий тенгсизлик. Имкониятнинг тенгсизлиги.*

2 *мат.* Муайян катталиклар ўртасида бир катталик иккинчисига тенг эмаслигини, ундан катта ёки кичиклигини кўрсатувчи ўзаро нисбат.

ТЕНГСИТМОҚ *с.т.* Тенглаштирмоқ, баравар қўймоқ. *Менга тенгситмасин Тоҳирни ул Зуҳрои афлокким, У сувга ғарқ эди, мен ғарқи дарёйи хуни ишқ.* Маҳжур.

ТЕНГ-ТУШ, **тенгу туш** Ёш жиҳатдан тенг, тенқур(лар). *Қани энди, у* [*Рустамжон*].. *қаҳрамон бўлиш сирларини била қолса, енг шимариб, ишга тушса! Тенг-тушларидан аввал мақсадга эришса.* И. Раҳим, Ихлос. *Менга мотам тутиб, қора боғламанг, Тенгу тушим нозик бағрин доғламанг.* Ҳамза. *Қойил бўлдим мард йигитнинг ишига, Омон-эсон борсин тенгу тушига.* «Муродхон».

ТЕНГҚУР 1 Ёш жиҳатдан тенг ёки унча фарқ қилмайдиган кишилар; бирга ўсиб катта бўлган ўртоқлар; тенгдош, тенг-туш. *Тенгқурларим — беш йил бир аудиторияда ўқиган қадрдонларим — тўда-тўда бўлиб, сафарга отланишарди.* Ҳ. Назир, Муҳаббат. *Шу орада Алпомиш.. қирқта тенгқур жўраси*

билан Бойсарини излаб, Қалмоқ юртига бориб, қалмоқ шоҳга банди бўлиб қолди. «Алпомиш».

2 *фольк.* Муносиб, мувофиқ, мос. *Менга тенгқур бўлолмайсан, Кўнглигинанг қуриб кетсин.* Пўлкан.

ТЕНДЕНЦИОЗ [*лот.* tendo – йўналтираман, интиламан] Маълум тенденцияга, олдиндан ўйлаб қўйилган ғоя, фикр, қарор ва ш.к. ларга асосланган; ғаразли, бир ёқлама. *Тенденциоз мулоҳаза. Тенденциоз хулоса.*

ТЕНДЕНЦИОЗЛИК Маълум тенденцияга, олдиндан ўйлаб қўйилган ғоя, фикр, қарор ва ш.к. га асосланиш; шунга ишонтиришга интилиш.

ТЕНДЕНЦИЯ [*нем.* Tendenz < *лот.* tendere – йўналмоқ, интилмоқ] **1** Тараққиёт йўналиши; бирор нарсага қизиқиш, мойиллик, интилиш.

2 Маълум ўй-мулоҳаза, тасвир ёки асарнинг асосий мазмуни, ғояси. *Маълумки, 60–70-йиллар давомида тарихий киноленталар яратиш соҳасидаги ижодий тенденциялар янада ривожлантирилди.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари. *Бундай асарларга қизиқишнинг сири эса, менимча, турмушдаги илғор тенденцияларни замонга, кишилар талабларига ҳамоҳанг.. бўладиган томонларини топиб, танлаб, саралаб олиб ёзиш билан боғлиқ.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ТЕНДЕР I [*ингл.* tender < tend – хизмат кўрсатмоқ] *т.й.* Бевосита паровозга тиркаладиган (уланадиган), сув ва ёқилғи захиралари, мойлаш-тозалаш ашёлари сақланадиган махсус вагон.

ТЕНДЕР II *иқт.* **1** У ёки бу иш ва хизматлар мажмуини бажарадиган, маълум бир лойиҳа учун ускуна-жиҳоз ва материаллар етказиб берадиган фирма ёки компанияни – пудратчини аниқлаш мақсадида эълон қилинган танлов.

2 Очиқ турдаги ёки чекланган сонли иштирокчилар учун ёпиқ турдаги рақобатли савдо-сотиқ; буюртмани жойлаштиришнинг танлов шакли. *Очиқ тендер. Ёпиқ тендер.*

3 Халқаро бозорда машина-ускуналар харид қилиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, инженерлик хизматлари кўрсатиш учун танлов асосида буюртмалар бериш.

ТЕННИС [*ингл.* tennis] Тўр тутиб, иккига ажратилган майдонда ёки столда мовут қопланган резина коптокни ёки пластмасса шарчани капгирсимон мослама (ракетка) билан уриб, тўр устидан ошириб (икки ёки тўрт ўйинчи иштирокида) ўйналадиган спорт ўйини. *Теннис коптоги. Стол тенниси. Теннис ўйнамоқ.* ▬ *Болалар чуввос кўтариб, узоқда теннис ўйинида давом этардилар.* Ойбек, Нур қидириб. *Кенг, ёруғ залда шахмат-шашкадан тортиб стол теннисигача бор.* «Саодат».

ТЕННИСКА Калта енгли, енгил трикотаж кўйлак. *Мўйлов стулга ўтирар экан, кўзи бир зум Зокирнинг эгнидаги чиройли шоҳи тенниskада тўхтади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *..кўк сатиндан жуда ихчам тикилган тенниска бўй-бастини жуда нозик ва хушбичим қилиб кўрсатарди.* О. Ёқубов, Мирзатерак.

ТЕННИСЧИ Теннис ўйновчи. *Боксчи, моҳир акробатчи, уста теннисчиларнинг ўзаро мусобақалари катта баҳсга айланди.* Р. Исҳоқов, Эпчиллик ва довюраклик.

ТЕНОР [*итал.* tenore – асосий овоз] *муз.* **1** Эркакларнинг энг юқори овози. *Тенор, товушнинг характерига қараб, драматик* [*кучли*] *ҳам лирик* [*юмшоқ*] *бўлади.* И. Акбаров, Музика саводи.

2 Шундай овозга эга бўлган ашулачи. *Хорда тенорнинг овози алоҳида ажралиб туради.*

3 Пуфлама чолғулар оркестри таркибига кирадиган мис пуфлама чолғу асбоби.

ТЕНТ [*ингл.* tent < *лот.* tenda – чодир, палатка] Қуёш ва ёмғирдан сақланиш учун матодан қилинган шийпон, соябон (пляж, палуба ёки кўчада). *Тентнинг чети кўтарилиб, кабинадан кимдир эриниб туша бошлади.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ТЕНТАК **1** Тўғри фикр юрита олмайдиган, ақли норасо, эси паст. *Тентак бола. Тентак тўрини бермас.* Мақол. ▬ *Равшанбек шу ерда қип-қизил тентакка чиқиб қолди.* «Равшан».

2 Ақлдан озган, телба, девона; жинни. *Олти ойда Марям тентак бўлганмиш, Эшон эшигида шўрлик ўлганмиш.* М. Алавия. *Қишда ялангоёқ юрган кишини кўрганлар уни, албатта, тентак бўлса керак, деб ўйлайди.* «Фан ва турмуш». *Ҳамшира Аҳмадга тентакларга қарагандек назар ташлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Шундай шахсга нисбатлаб, одатда ўз яқин кишисига қарата (эркалаш, енгил ҳазил билан) айтиладиган сўз. *-Дарров бўл,*

тентак! – деди кулиб Толиб. Ҳ. Шамс, Душман. -*Вой тентагим-ей. дўстнинг дўстлиги киши бошига кулфат тушганда билинади, қизим!* С. Анорбоев, Оқсой. -*Тентак! – деди Адолат ҳам жаҳл, ҳам эркалаш билан..* С. Зуннунова, Гулхан.

4 *кўчма кам қўлл.* Жиловланмаган, асов, телба. *Тентак дарё.* ▬ *Мен сувингдан куч олсам, Тентак елдан ўч олсам.* З. Диёр. *Гоҳида ўшандоқ тентак хаёллар Сендан воз кечмакка қистайди ҳаргиз.* Р. Парфи.

ТЕНТАКЛАРЧА *рвш.* Тентаклар каби; ақлдан озган, жинни бўлган кишига ўхшаб. [*Отабек*] *Ўз-ўзига сўзланиб, Марғилон кўчаларида тентакларча югура бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕНТАКЛИК Тентакка хос иш, хатти-ҳаракат. *Азизим, мен тентаклик қилиб уйдан кетганим йўқ.* «Саодат». *Бойлик билан иши бўлмаган Аҳмадга Қаюмхоннинг керилиши тентакликдек туюлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТЕНТАКҚУШ Қумурсқа ва ҳашаротлар билан тирикчилик қиладиган, боши катта, ясси, тумшуғи кенг ва қисқа тун қуши.

ТЕНТИМОҚ *кам қўлл. қ.* **тентирамоқ**. *Ваҳобжон шу куни кечгача шаҳар кўчаларида тентиб юрди.* С. Аҳмад, Пойқадам. *Ташқарида қор аралаш ёмғир саваламоқда, совуқ шамол тентиб, гоҳо коридор ичига ҳам ўзини урмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТЕНТИРАМОҚ 1 Аниқ бир мақсадсиз кезиб юрмоқ, бекорга санқиб, вақт ўтказмоқ, кезмоқ. *У* [*Ёрмат*] *бутун кун куйиб-ёниб, боши оққан ерларда жиннилардай тентираб, хуфтон вақтида бойникига санқиб келиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У кўп тентираб чарчагани устига, синглисини узоқ ёлғизлатиб қўйганидан хижолатда эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кун бўйи тентирагани тентираган. Ҳўкиздай йигит бўлиб қолганидан хабари йўқ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Сарсон-саргардон бўлмоқ, саргардонликда юрмоқ. *Сенларнинг зулмингдан қанча одамлар тентиради. Ўз қишлоғига ўзи сиғмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ахир, нима дейсиз, очмиз демай, совуқмиз демай, кетингизда бир йил тентирадик.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

3 *кўчма* Кезмоқ, эсмоқ; изғимоқ. *Даштнинг салқин шамоли тентираб, чодирнинг ипагини енгил мавжлантиради.* Ойбек, Навоий. *Ер устида булутлар сояси тентираб қолди.* М. Мансуров, Ёмби.

4 *шв.* Чарчаш, касаллик ва ш.к. натижасида чайқалиб юрмоқ, гандиракламоқ. *У* [*Саидий*] *маст кишидай тентирар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *У* [*Мухторхон домла*] *ярим йўлгача чамадонларни озод кўтариб, бардам қадам ташлаб борди-ю, ундан нари ранги оқариб, тиззалари қалтираб, тентирай бошлади.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *Майдон бирдан қўзғалди. Бошига қон қуйилган, кўзлари қип-қизил одамларнинг қад кўтарганлари тентираб кетди, белини ёзолмаганлари қичқириб юборди.* А. Мухтор, Чинор.

5 *шв.* Нима қилишни билмай қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ; саросимага тушмоқ; эсанкирамоқ. *Жанжалнинг фойдаси шундан иборатки, Эҳсон енгилса, тентирайди, ёрдам берадиган киши излайди.* А. Қаҳҳор, Сароб

ТЕОДОЛИТ [*юн.* theomai – қарайман + dolichos – узун] Очиқ жойларда горизонтал ва вертикал бурчакларни ўлчаш учун ишлатиладиган геодезик асбоб.

ТЕОЛОГ Теология бўйича мутахассис, илоҳиётшунос.

ТЕОЛОГИК Теологияга оид; теологияга асосланган; илоҳий.

ТЕОЛОГИЯ [*юн.* theos – худо + logos – сўз, тушунча; фан] Худонинг моҳияти, дин ва диний ақидалар тўғрисидаги диний таълимотлар мажмуи; илоҳиёт.

ТЕОРЕМА [*юн.* theorema < theoreo – қарайман, ўйлаб кўраман] *мат.* Тўғрилигига исбот этиш, қатъий мантиқий мушоҳадалар юритиш орқали ишонч ҳосил қилинадиган даъво. *Пифагор теоремаси. Виет теоремаси.* ▬ *Теоремалар математик тушунчаларни ўзаро боғлайди..* «ЎзМЭ».

ТЕПА 1 Ер сатҳидан баланд, дўнг жой; тепалик, баландлик. *Ҳадемай ўнг томондаги тепалар, ундан наридаги тик қоялар устида офтоб порлайди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Суюн оға гаранг, дардли, оч ҳолда тепа устига чиққач, яна боягидек, орқа-олдига қаради.* Н. Фозилов, Дийдор. *Шу тепалар нишабида камарлар бор.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Умуман, бирор жой, маконга нисбатан юқоридаги жой, ер. *Тепадан қараган кишига бу ариқча илон изидек эгилиб, букилиб, ўзининг ўқида айланаётганга ўхшаб кўринар эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Нигора у ёқ-бу ёққа қаради: юқорида Қашқатов, пастда қалин*

арчазор, ўнг ва сўлда тепа.. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Бирор нарсанинг юқори қисми, усти. *Аризанинг тепасига имзо қўймоқ. Дарахтнинг тепасида бир қуш ўтирибди. Қабр тепасини майса қоплаган.* ▬ *Ташаккур, устод! Агар энг баланд минора тепасига ғишт қўйсин, десангиз ҳам биз рози.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Кўп миқдорда уйилган нарсалардан ҳосил бўлган баландлик, дўнглик. *Гўнг тепа. Кул тепа. Қум тепа.* ▬ *Бу тупроқ тепа уч кишининг қабри бўлиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Уч-тўрт юз инсон бошидан турғизилган бир тепа!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Киши устидаги бўшлиқ, осмон, фалак; юқори. *Самолёт тик тепага кўтарилди. Қуёш қоқ тепага келди.* ▬ *Тепадан офтоб уриб турибди.* С. Аҳмад, Томоша. *У ўз овозидан уйғониб кетиб, кўзини очганида, тепада ой сузар, ҳамма ёқ жимжит..* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Нисбатан юқори қисмда бўлган, жойлашган; устки. *Ўроз тепадаги қозиқдан дўмбирасини олди..* Ойбек, Танланган асарлар. [*Толнинг*] *Тепа шохига қурувчилар прожектор ўрнатишган экан, ҳозир атрофни сутдай ёритиб, кўзни қамаштиради.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Устки қатордаги сўйлоқ тишларидан иккитаси тепа лабини ёриб чиққанини.. кўрган киши ўқчиб юборарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 *археол.* Пахсадан ишланган қадимий иншоотларнинг харобалари ва уларни тўлдирган маданий қатламлардан ҳосил бўлган дўнглик.

8 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к., ч.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади ва макон муносабатини ифодалайди. *Адолат ухлаётган жувоннинг тепасига борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ботирали Ойшабонуни бир қўли билан четга сурди-да, бойнинг тепасига энгашиб, кўрпани очди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ўтган куни шу икки йигитни қозон тепасида эт олаётганларида кўрган эдилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Кейин, пиёлани бутилкага уриб, тепасида парвона бўлиб турган хотинига ўшқира кетди..* «Муштум». *Тепамдан вағиллаб самолёт учиб ўтди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

Икки қўли бир тепа Бошни чангаллаб, қуруқдан-қуруқ, ҳеч нарсасиз. [*Мастура*:] *Доимо ҳузур-ҳаловати шуларча-ю, икки қўли бир тепада мен қоламан.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Болаларимни етакладим-да, икки қўлим бир тепа, бойнинг даргоҳидан кетдим..* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. **Тепа сочи тикка бўлмоқ** Ғоят аччиқланмоқ, ғазабга келмоқ. *-А?! — Раҳимнинг тепа сочи тикка бўлиб, кўзлари қинидан чиқаёзди. -Бекор! Ҳаммаси бекор.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Тепасига чиқмоқ** (*ёки* **минмоқ**) Ўз ҳукмини ўтказмоқ, бошига чиқиб олиб, менсимай қўймоқ. *Шунча ўқибди — бас, бундан ортиқ ўқиса, тепангга чиқиб кетади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТЕПАКАЛ Бошининг тепа қисмидаги сочи тўкилиб кетган, силлиқ. *Тепакал одам.* ▬ *Терговчи ёш бўлса ҳам, сочлари тўкилиб, тепакал бўлиб қолган, тирноқларигача заҳар бир одам экан..* О. Ёқубов, Излайман. *Лафзий девандан шиддат билан туриб, дастрўмолини тепакал бошига ёпди-да, лапанглаганича бориб, буфетни очди.* Э. Носиров, Мускат.

ТЕПАЛАМОҚ 1 Ҳавога, осмонга кўтарилмоқ, баландламоқ. *Ракета тепалаб кетди. Қуш тепалаб учди. Снаряд тепалаб ўтди.*

2 *кам қўлл.* Нарсаларни бир ерга тўплаб, баландлик ҳосил этмоқ. *Қўлида тепалаб жазиллама қайноқ сомса уйилган лаганни кўтариб, оқсоч кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТЕПАЛИК Нисбатан катта ва баланд жой; баландлик, дўнг, тепа. *Тепаликка чиқмоқ. Тепаликни эгалламоқ.* ▬ *Узоқдаги тоғлар ва тепаликлар тусларини йўқотиб, тобора қуюлаётган тун қучоғига сингиб бормоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Баланд тепалик устига қурилган Ахси қалъаси тун оғушида тоғ қоясига ўхшаб қорайиб кўринади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТЕПАҒОН *айн.* **тепонғич**. *Тепағон от.* ▬ *Бу ўлгудек қайсар, тепағон.. эгасини ҳам танимайдиган, калтак ўтмас эшак эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ТЕПИНМОҚ: ер тепинмоқ 1) такрор (давомли) ҳолда оёғини (туёғини) ерга урмоқ. *Жонивор типир-типир қилади, бош чайқайди, ер тепинади, дум силкитади.* А. Қодирий, Улоқда. *Бечора чирқираганча, бир-икки ер тепиниб фарёд қилди.* Мирмуҳсин, Ал-Маҳдий. *-Қаерда юрибсан? — ер тепинди соқчи.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ТЕПКИ I **1** Оёқ билан берилган зарб. *Худойқул бир нафас ғингшиб ётди. Тепкидан*

оғриган жойларини секин-аста силади. П. Турсун, Ўқитувчи. *Бола кўрсатилган иккинчи сўзни ўқийман деб турганда, синф эшиги қаттиқ тепкидан ланг очилиб, ичкарига совуқ ёпирилиб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

От тепкисини от кўтаради Тенг кучлилар бир-бирига бас кела олади, чидаш бера олади, деган маъноли мақол. **Тепки емоқ** 1) тепки зарбига учрамоқ, тепилмоқ. *Мамарайим, эгасидан тепки еган итдай, орқага чекинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) хўрланмоқ. [*Йўлчи*:] *Чидай олмадим, мулла ака.. Мен ҳам одам фарзанди, токайгача тепки ейман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тўп, замбарак каби отиш қуролларидан ўқ узилганда, унинг орқага берадиган зарби. *Тўпнинг тепкини камайтирадиган қурилмаси.*

3 Ўқ отадиган қуролларнинг отиш механизмини ишга солувчи қисми. *Пулемёт тепкиси. Тўппонча тепкиси.* ▬ *«Отайми, отмайми!».. Ўнг қўлининг бармоғини милтиқ тепкисига юбориб, уни босаётган жойда яна тўхтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Маҳаллий тўқиш дастгоҳининг оёқлар билан галма-гал босиб, дастгоҳни ишга тушириш, унинг мунтазам ишлашини таъминлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Ҳожияхон бўз тўқишни энди ўрганган, ўнг қўли тасма ғалтакни тортса, чап оёғи тепкини босолмас, ўнг оёғи тепкини босса, чап қўли гулани жуфтлолмас эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 Дастгоҳнинг шу қисмини босганда тўқилиб, зичланган моки ипи. *Атласнинг тепкиси қанча кўп бўлса, абр безакдан олинадиган таассурот шунчалик зўр бўлади.* Газетадан.

Саккиз тепки атлас Қалин, юқори сифатли атлас. *Яна юриб кетади саккиз тепки гул атлас, Чивиқ беқасамларнинг олағовур бозори.* Ғ. Ғулом. **Тепки машина** Махсус тепкиси, педалини оёқ билан босиб юргизиладиган тикув машинаси. *Ойим тепки машинада Донога кўйлак тикиб ўтирган экан.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

ТЕПКИ II *тиб.* **1** Асосан, болаларда учрайдиган, қулоқ олди безининг яллиғланишидан иборат ўткир юқумли касаллик. *Тепки кўпроқ қиш, баҳор фаслларида учрайди.* И. Фозилов, Тепки. *Тепки касали билан ҳамма ёшдагилар ҳам оғриши кузатилади.* «Саодат»

2 Айрим касалликлар туфайли пайдо бўладиган майда, пуфакчасимон қизил доғлар; тошма, гул. *Қизилча касали.. юқадиган бўлиб.. иккинчи кунида кишининг танига қизил тепкилар чиқади.* З. Тоҳирий, Соғлиқни сақлаш.

ТЕПКИЛАМОҚ 1 Оёғи билан кетма-кет зарб бермоқ, такрор-такрор тепмоқ. *Бир-бирини тепкилаб уришмоқ. Тепкилаб лой пишитмоқ.* ▬ *Гўнг аравага роса тепкилаб босилган, ғилдираклар юк зўридан ғижирлар, қўш от уни базўр тортар эди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Устига чиқиб тепкиласа ҳам, жигарники ўтмас экан.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ғазаб ўтида ёниб, кампирнинг юзига тарсаки туширди, суяклари чиқиб турган белига тепкилади.* «Муштум».

2 Босиб пайҳон қилмоқ, йўқ қилмоқ; топтамоқ. *От туёғи тепкилаб кетган Лолазорлар ўтар хаёлдан.* Ҳ. Шарипов. *[Афанди] Ҳўкизни тутди, уйига олиб кириб: -Жаззойи киши бировнинг экинини тепкиласин! — деб сўйиб юборди.* «Латифалар».

ТЕПЛИЦА [*р.* тепло — «иссиқ, иссиқлик» с. дан ясалган от] *қ.* **иссиқхона 2.** *Бу жойдан колхоз клуби, ГЭСи, теплицадан тортиб электр тегирмонигача кўринар экан.* А. Муҳиддин, Ошналар. *Умид уларга.. атрофдаги янги нав экилган карталарни, теплицани, ичкарига олиб кириб, лабораторияларни кўрсатди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТЕПЛОВОЗ [*р.* тепло — иссиқ, иссиқлик + воз(ить) — ташимоқ, судрамоқ] Ички ёнув двигатели ўрнатилган, унинг ёрдами билан юрадиган локомотив. *Биринчи йўлда «ҳап-ҳўп, ҳап-ҳўп»лаб турган тепловоз сўнгги марта қичқириб, составни тортиб кетди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Оғир юкли поездларни тортаётган замонавий тепловозлар оғиримизни бир неча минг марта енгиллаштирмоқда.* Газетадан.

ТЕПЛОИЗОЛЯЦИЯ [*р.* тепло — иссиқ, иссиқлик + изоляция] **1** Турли иншоот ва қурилмаларни иссиқ таъсиридан сақлаш ҳамда иссиқликнинг йўқолишига йўл қўймаслик учун уларни иссиқлик ўтказмайдиган материал билан қоплаш, ўраш.

2 *с.т.* Шундай мақсадда ишлатиладиган ўраш материали.

ТЕПЛОТЕХНИК Теплотехникага, яъни саноат йўли билан иссиқлик ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш техникасига оид.

Кўмирнинг теплотехник сифати. Теплотехник ҳисоблаш усули.

ТЕПЛОТЕХНИКА [*р.* тепло – иссиқ, иссиқлик + техника] Фан ва техниканинг иссиқлик энергияси ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланадиган соҳаси.

ТЕПЛОХОД [*р.* тепло – иссиқ, иссиқлик + ход(ить) – юрмоқ, ҳаракатланмоқ] Ички ёнув двигатели ўрнатилган, унинг ёрдами билан юрадиган кема. *Хўжайли пристанига келган пароходлар, теплоходларнинг кети узилмайди.* Р. Ешимбетов, Дарға.

ТЕПМОҚ 1 Оёқ билан зарб бермоқ. *Копток тепмоқ. Эшикни тепиб очмоқ. Итни қопмас деб бўлмас, отни тепмас деб бўлмас.* Мақол. ▬ *У* [*Соли совуқ*] *шошиб-пишиб, Азим бойваччанинг кўкрагидан итариб эди, Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Полвон уни бир тепиб, ерга ағнатди-ю, бўғзидан босиб тураверди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Оёқ босиб, тепкилаб бирор иш қилмоқ. *Том тепмоқ. Лой тепиб пишитмоқ.* ▬ *Кечалари шинни учун узум тепадилар, кундузи уларни аравалаб шаҳарга ташийдилар.* Ойдин, Ямоқчи кўчди. *Лой тепиш, лой қориш ишлари қилинмайди.* «Муштум».

3 Ўқ узиш ёки бошқа бир иш пайтида зарб билан орқага силжимоқ, урмоқ. *Бу милтиқ қаттиқ тепар экан.* ▬ *Нима бало бўлди, машинанинг ручкаси тепиб олдими, дейман..* И. Раҳим, Шонли авлод.

4 *кўчма* Ритмик ҳаракат қилмоқ, дукилламоқ, урмоқ (юрак ва қон томирлари ҳақида). *Юрагим гурс-гурс тепади.* ▬ *Улар* [*йигит билан қиз*] *дарвоза тагига ўтирдилар ва шу зайл бир неча вақт нафасларини ютиб, гўё бир хилда тепаётган қалбларини тинглаб, индамай қолдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Башорат ўзининг оқариб кетганини сезди, чакка томирларида қон гупиллаб тепарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 *кўчма* Тепага, юзага (сиртга) кўтарилиб чиқмоқ, кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Қизамиқ сиртга тепди. Сизот сувлар ер бетига тепиб чиқди.* ▬ *Тер кучли ишқорли реакция беради ва у танага тепиб, шўрга айланади.* «Фан ва турмуш». *Нима учундир юраги ҳовлиқар, тез-тез урар эди. Юзига қон тепган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Онанинг дили ўғлининг юзига тепиб чиққан аламли норозиликни, аниқ бўлмаса ҳам, дарров сезган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

6 Баъзи сўзлар билан бирикиб, нарсанинг шу сўз билдирган жойга уриши, етиши маъносини билдиради. *Ана, ғўзаларимизга ўзингиз бир қаранг, белга тепади-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Белига тепмоқ Ўзи боғланиб келган сўз билдирган нарсанинг бўлишига халақит бермоқ, уни узиб, тўхтатиб қўймоқ маъносини билдиради. *Ишнинг белига тепмоқ. Гапнинг белига тепмоқ.* ▬ *Э-э, сенмисан? Аммо уйқунинг ҳам белига тепдинг-да! Тинчликми ўзи?* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бу орада роталардан маълумот олиб келган алоқачилар суҳбатнинг белига тепди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Бурга тепди** Тоби қочган кишига нисбатан қўлланади. *Сизни қанақа бурга тепди, ётиб олибсиз?* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Орқасига тепмоқ** Воз кечиб ҳайдамоқ, қувмоқ. *Дунё ялиниб келган вақтда шоҳ Машраб унинг орқасига тепган эканлар.. дунё ўзи бевафо, орқасига тепсанг арзийди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тилаб олган боламни эчки тепиб ўлдирди** Зўрға, жуда қийинчиликлар билан эришган нарсасидан айрилганлик, маҳрум бўлганликни ифодаловчи мақол. **Тўйдирганнинг қорнига тепмоқ** Яхшилик, ҳиммат қилган, қўллаб-қувватлаганга ёмонлик билан жавоб бермоқ маъносидаги ибора. *Энди тўйдирганнинг қорнига тепма-да.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. **Ўлганнинг устига (чиқиб) тепмоқ** Бирор ёмон ҳолатнинг устига яна бошқаси юз бериши маъносидаги ибора. *Колянинг ҳақорати қалбини наштардек тилган Фотима опага одамларнинг таънасини эшитиш ўлганнинг устига тепгандек бўлди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *..қўлингда хатинг бор, ўлганнинг устига чиқиб тепгандек, хат-хабарсиз қўйма!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕПОНҒИЧ Тепиш одати бор, тепадиган, шатталаб юборадиган; тепағон. *Тепонғич сигир. Тепонғич от.*

ТЕПСА-ТЕБРАНМАС *с. т.* Ҳеч гап кор қилмайдиган, бирор иш қилдириш жуда қийин бўлган, ортиқ даражада беғам, бепарво; оғир карвон. *Тепса-тебранмас одам.* ▬ *Инсон соғлиги учун шунчалик жон куйдириб, баъзи тепса-тебранмас консерваторлар билан олишиб юрган экан, демак, яхши қиз бўлса керак?* С. Анорбоев, Оқсой.

ТЕПСИНМОҚ *қ.* **депсинмоқ**. *Қайдан парвоз этиб келдинг бемаҳал, Отинг тепсинади, ўзинг ўзга ҳол.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ТЕПЧИК Дўппи, тўн ва ш.к. нинг махсус қавиғи; ипни сиртга чиқармай тикиладиган майда қавиқ. *Дўппи тепчиги. Тепчиги йирик дўппи.* ▬ *Жуда қўпол бир тепчик, Тепаси чўққи, кичик, Кизаги салкам сара, Жияги ўн уч иплик.* Ғ. Ғулом. *Аксар дўппилар тепчигидан қирқилиб, пилтаси кўриниб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТЕПЧИКЧИ Дўппи, тўн ёқаси ва ш.к. ни майдалаб қавийдиган, тепчийдиган шахс. *Тепчикчининг бошида Каттагина кўргулик! Уйдан чиқмиш яқинда Арслондай йигит — ўлик.* Ғ. Ғулом.

ТЕПЧИМОҚ I **1** Дўппи, ёқа ва ш.к. ни ипни сиртга чиқармай майда қавимоқ, тепчигини тикмоқ. *Дўппи тепчимоқ.* ▬ *Онам лампа ёнига ўлтириб, жияк тепчишга киришди.* Ойбек, Болалик.

2 Тўрлаб тикмоқ, чатмоқ. *Костюмнинг мих илган жойини тепчиб қўймоқ.*

ТЕПЧИМОҚ II Юзага тепиб, сизиб ўтиб кўринмоқ; юзага тепмоқ. *Доканинг ҳар ерҳар ерига тепчиб чиққан қонга кўзи тушди ва шундагина бутун бадани зирқираб оғриётганини, айниқса, кўкрагининг ўнг томони кучлироқ оғриётганини сезди Адолат.* С. Зуннунова, Гулхан. *Унинг юзига тепчиб чиққан ташвиш аломатини келин дарров пайқар..* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТЕР 1 Тер безлари ажратиб чиқарадиган тиниқ суюқлик. *Баданидан тер чиқди. Терга ботмоқ. Пешонасини тер босди. Аъзойи баданидан тер қуйиларди. Тер безлари.* ▬ *Унинг елкасига ва туртиб чиққан белига тердан намиққан кўйлаги ёпишиб қолган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Пешонасидан дўлдай оқаётган терларини ўнг қўли билаан ҳаллослаб артаётган мингбошига Соли совуқ жийдагул пиёлада кўк чой тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Меҳнат. *Ер куч билан, тер билан унум беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Жон терига тушмоқ 1) қаттиқ тиришмоқ, бор кучини сарфламоқ. *Жон терига тушиб ишламоқ;* 2) қаттиқ азобланмоқ, азобнинг, оғриқнинг зўрлигидан мажолсизланмоқ, ҳолдан тоймоқ. *Отлар жон терига тушиб кишнаганларича йиқила бошлади, оёқлари от остида қолган суворилар ҳам мерганларнинг ўқини еб, ер тишлаб қолавердилар.* М. Осим, Искандар ва Спитамен. **Пешона тери** *қ.* **пешона.** *Ҳаммаси сену megдақаларнинг пешона теридан бино бўлган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ахир камбағал халқ ўз қўл кучи, пешона тери билан кун кўришига ҳам илож тополмай қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тер тўкмоқ** Меҳнат сарфламоқ, астойдил меҳнат қилмоқ. *Мен кучимни, теримни тўкай, фойдасини соялпарвар бойлар кўрсин.. Қани инсоф!* Ойбек, Танланган асарлар. *Иш шароити ниҳоятда оғир эди. Ҳар куни 12—14 соатлаб тер тўкишга тўғри келарди.* Т. Алимов, Ҳақиқат енгди.

ТЕРАК Толдошлар оиласига мансуб, пўстлоғи кўкиш ёки оқиш, тик ёки шохлаб, тарвақайлаб ўсадиган дарахт (танасидан асосан қурилиш материали сифатида фойдаланилади). *Оқ терак. Тоғ тераги. Кўк терак.* ▬ *Боғнинг қуйи томонида бир чизиқда саф тортган баланд, адил тераклар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЕРАКЗОР Нуқул тераклар билан банд жой, терак экилган майдон. *Қуёш теракзор орқасига ботаётган, ғарб уфқига алвон ранг шафақ ёйилган ажиб оқшом эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ғуломжон.. даладаги теракзордан тўртта бақатеракни кестириб, тахта тилдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕРАН *кт.* **1** Бирор жойдан, мас., ернинг сатҳидан анча пастга — чуқурликка ўтиб кирган ёки анча пастдан — чуқурликдан бошланадиган; чуқур, чўнқир. *Ернинг теран қатламлари. Теран дарё. Теран қудуқ. Теран булоқ.* ▬ *Унинг [М.Қосимовнинг] қиёфаси ва юриш-туришига саҳро сокинлиги, теран қатламлардан нам юқи топиб аста сўрадиган чайир саксовул томирларининг тўзимлилиги асар қилганга ўхшарди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *кўчма* Мазмун-моҳият жиҳатидан кенг қамровли, чуқур, кучли. *Теран фикр. Романнинг теран мазмуни.* ▬ *Оналар, фақат масъуд оналаргина гўдак йиғисидаги теран маъноларни англай олиши мумкин.* Э. Охунова, Ҳаёт гуллари. *Икки кўзим сенинг йўлингда, Ўзим теран хаёлга ботдим.* Ғ. Шоди. *Қалбимни аллақандай тиниқ, теран бир мунг чулғаб олди.* О. Ёқубов, Излайман. *Халқ ҳаётини ғоятда теран тасвирлай билиш муаллифдан катта истеъдод талаб этади.* Газетадан.

ТЕРАНЛАШМОҚ Теранлик касб этмоқ. *Ҳаяжон ва қалб зарбаларининг эстетик функцияси, моҳияти ортди, айтиш мумкинки, теран ақл ва ижтимоий маъно билан теранлашди.* «ЎТА». *Адабиёт ҳафталиги сингари яхши анъана туфайли ғоят чуқур, кўҳна қардошлигимиз янада теранлашди.* Газетадан. *Ёш улғайган сари одамнинг хаёл денгизи теранлаша ва кенгая боради.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ТЕРАНЛИК Теран ҳолат, теран ҳолатга эгалик. *Денгиз тубининг теранлиги. Ғоянинг теранлиги.* ▬ *Портрет асарлари характерининг ёрқинлиги, қаҳрамон ҳиссининг теранлиги билан чегараланиб қолмайди.* А. Умаров, Портрет — даврнинг ёрқин ифодаси. *Уларнинг бу китоблари фикрининг теранлиги, соддалиги ва баён услубининг равонлиги жиҳатидан илмий-оммабоп адабиётнинг энг яхши намуналаридан қолишмайди.* «Фан ва турмуш».

ТЕРАПЕВТ [*юн.* therapeutes — (касалга) қаровчи, ғамхўрлик қилувчи] Ички аъзолар касалликларини аниқлаш, олдини олиш ва даволаш билан шуғулланадиган мутахассис врач. *З.И.Умидова ҳозирги вақтда республикамизнинг энг йирик терапевтларидан биридир.* О. Ризаев, Врач — олима.

ТЕРАПИЯ [*юн.* therapeia — парвариш, ғамхўрлик; даволаш] Тиббиётнинг ички аъзолар касалликларининг пайдо бўлиш сабабларини, ривожланиш механизмларини аниқлайдиган, даволаш йўлларини ўрганадиган бўлими; шундай касалликларни даволаш усуллари. *Юрак терапияси. Терапия курси.*

ТЕРБИЙ [< шу элемент кашф этилган жой — Швециядаги Иттербю (Ytterby) шаҳарчаси номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; пластик ва яхши деформацияланадиган, кумушсимон оқ металл.

ТЕРГАМОҚ 1 Текширмоқ, назорат қилмоқ; таъқиб остига олмоқ, кузатмоқ. *Хизиров кибрлик билан: -Маорифнинг ишини тергай олмайсиз. Нима қилсам, ўзим биламан, — деди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Мастура*:] *Шоҳ бўлсанг, сабаб ўғирлик қилган фуқароларингни тергамайсан?* А. Қаҳҳор, Башорат. *Чол болаларнинг ножўя ҳаракатларини тергаб, мудирга етказиб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳаммага адолат қилдинг, Қорахон, Тергамадинг бузуқ, баттол қизингни.* «Равшан».

2 Ножўя харакатларини назоратда тутиб, ундан тийиш хатти-ҳаракатларини, йўлларини қилмоқ; ёмон йўлдан қайтариб турмоқ. *Мен сизга ўғилман, фарзандингизман. Уришишга, сўкишга, тергашга ҳаққингиз бор.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қайлиқ сизники бўлгандан кейин, тергаш, тийиш ҳам сизникидир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *ҳуқ.* Тергов қилмоқ; тергов, сўроқ қилиб аниқламоқ. *Қўрбоши эса Отабекнинг устида ҳали бунчалик тергашлар борлиги учун ўзини бир оз тўхтатиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕРГОВ 1 Тергамоқ фл. ҳар. н.

2 *ҳуқ.* Жиноят юз берган шароит, унинг сабаблари ва қатнашчиларини текшириш, сўроқ қилиш иши; жиноий иш бўйича далиллар йиғиш. *Дастлабки тергов. Тергов органлари. Тергов натижаси. Тергов ўтказмоқ.* ▬ *Шербек районга жўнади. Уни яна терговга чақиришган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Район тергов идораларининг вакиллари томонидан жиноят содир бўлган жойда текшириш ўтказилиб, тегишли актлар тузилгандан кейин, жасадни аравага солиб, қишлоққа олиб келдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тергов қилмоқ 1) бирор иш, ҳолат ва ш.к. юзасидан сўроққа тутмоқ, сўроқ қилмоқ. *Дадаси уни [Низомжонни] уйга бошлаб кирди-ю, ўтқазиб, тергов қила бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) *ҳуқ.* жиноят юз берган шароит, унинг сабаблари ва қатнашчиларини аниқлаш учун бунга алоқадор кишиларни сўроқ қилмоқ, тегишли далил ва ҳужжатларни атрофлича ўрганмоқ. *Айбдорни тергов қилмоқ.* ▬ *У* [*мингбоши*] *аввало Ғуломжонни енг ичида тергов қилиб, енг ичида жазо бериш-у, шу билан ундан ўч олиш.. ниятида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕРГОВСИЗ *рвш. ҳуқ.* Сўроқ, тергов қилмай ёки бўлмай, сўроқсиз, бесўроқ, бетергов. *Терговсиз қамоқда ётмоқ.*

ТЕРГОВЧИ 1 Бировнинг хатти-ҳаракатини, юриш-туришини назорат қилиб, суриштириб, тергаб турувчи; ножўя ишдан, йўлдан қайтарувчи. *Нишонбойнинг кўзлари ваҳшиёна чақнаб шанғиллади: -Ҳа, сен терговчими менга? Бор-бор, ўша..* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *ҳуқ.* Бирор иш юзасидан дастлабки тергов ўтказувчи лавозимли киши. *Прокуратура терговчиси. Халқ суди терговчиси.* ▬ *Райондан келган терговчи уч кун овора бўлиб, жиноятчиларнинг изини тополмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЕРГОВЧИЛИК Терговчи иши, касби. *Терговчилик қилмоқ.* ▬ *Текширишни жуда яхши кўрасиз-а, домла! Илгари терговчилик ҳам қилганмисиз, дейман?* М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

ТЕРИ I **1** Одам ва ҳайвон танасининг ташқи қоплами, тана аъзоларини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилувчи ва турли физиологик вазифаларни бажарадиган пўсти. *Тери касалликлари. Қуённинг терисини шилмоқ.* ▬ *Тортқилаганда,* [*улоқнинг*] *териси айрилиб кетмайди. Бўлмаса, торт-тортда улоқ бутун қоладими!* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Молнинг, ҳайвоннинг шилиб олинган пўсти. *Шу ерда ишлайдиган одамлардан бири, йўқчилик важҳидан, бир куни бола-чақаси билан отнинг терисидан шўрва қилиб ичибди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. *Хон бориб, арслон терисига ўтирди, Арслонбекни ўзининг ўнг томонига олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Мол пўстидан махсус ишлов бериб тайёрланган материал; чарм, кўн. [*Шокир ота*] *Терига сув пуркайди ва кўва билан дўқ-дўқ уриб, чармни текислайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйда бир оз тери бор. Аммо тагчарм йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кам қўлл.* Пўст, пўчоқ. *Териси қалин қовун.* ▬ *Боғдаги.. анорлар терисига сиғмай, тарс-тарс ёрилади.* Ё. Шукуров, Уч савол.

Бир терининг ичида қўй неча озиб, неча марта семиради Киши ҳаётида неча хил ўзгаришларга, яхши-ёмон ҳолатларга тушиши мумкинлигини қайд этувчи ибора. *-Бир терининг ичида қўй неча озиб, неча марта семиради, — деди салмоқлаб бой, — кишининг бошига ёмон кунлар ҳам тушиши мумкин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Териси юпқа** Унча-мунча гапни кўтара олмайдиган. *Ҳимм, териси юпқа аёл эмасми, шу гап баҳона бўлибди-ю, «Мени бўшатиб, қолоқ бригадага юборасизлар», деб туриб олибди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. **Териси қалин** Унча-мунча гап кор қилмайдиган, бети қаттиқ. *Териси қалин кассир эса: -Эпласанг сен ҳам қил, — деб бўзрайиб тураверди.* «Муштум». **Терисига сиғмаслик** Ниҳоятда хурсанд бўлмоқ. *Элчибек бу хабардан терисига сиғмай кетди. Ҳар ҳолда, дастлабки ғалаба.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қувонч билан қўл бериб сўрашди. Теримга сиғмай кетдим.* Ойдин, Ҳикоялар. **Терисига** (*ёки* **терисини шилиб) сомон тиқмоқ** Ниҳоятда қаттиқ жазоламоқ. *Яхшики, бояги гапларингизни ўғлим эшитмади, йўқса, терингизга сомон тиққан бўлар эди..* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Менга дўпписи эмас, ўзи керак. Ўзини тириклай тутиб кел! Терисини шилиб, сомон тиқмагунимча хумордан чиқмайман.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим. **Терисини шилмоқ** (*ёки* **шилиб олмоқ**) Бор-йўғини қоқлаб олмоқ, ҳамма нарсасини тортиб олмоқ. *Унинг [Мусулмонқулнинг] ўз кайфича ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқаронинг терисини шилса.. остириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкиратди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕРИ II Хамирни юпқа ёйиб, учбурчак, тўртбурчак шаклида кесиб, ёғда пишириладиган таом.

ТЕРИМ Ҳосилни териб, йиғиб олиш (асосан пахта ҳосили ҳақида). *Биринчи терим. Иккинчи терим. Терим машинаси. Бу йил терим эрта бошланди.* ▬ *Мана ғўзалар кўз оча бошлади. Ҳадемай терим ҳам бошланиб қолади.* «Муштум». *Қайси куни отаси: «Иккинчи теримга қачон тушасиз», дегандек эди. Қизиқ, пахталар ҳеч терилганга ўхшамайди-ку?!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕРИМЧИ Далада етилган пахта ҳосилини қўл билан териб, йиғиб олувчи. *Илғор теримчилар.* ▬ *У икки қўллаб терувчи, чевар теримчи.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Вали ака ўғлига хирмон қилинадиган жойни кўрсатиб, ўзи теримчиларни Мадаминхўжанинг пахтазорига.. бошлаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Атлас кўйлак ярашар, Теримчи қиз бўйига. План тўлганда келинг, Пахтахоннинг тўйига.* Уйғун.

ТЕРИФУРУШ Тери савдоси билан шуғулланувчи, тери сотувчи шахс. *Кимсан — терифуруш, фалончи бой.* Ойбек, Танланган асарлар. *Терифуруш бойнинг уйига тушганларга қаттиқроқ тайинланг.. энасининг уйидек баҳузур ётавеversion;ришмасин.* К. Яшин, Пьесалар.

ТЕРЛАМА *тиб.* Кучли иситма чиқариш, қалтиратиш билан характерланадиган оғир

юқумли касаллик; тифнинг бир тури. *Ўша йиллари Собиржон терлама касали билан оғриб, тўсатдан вафот этди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТЕРЛАМОҚ 1 Баданидан тер чиқармоқ, терга ботмоқ. *Бемор терлаб ётарди.* ▬ *Сунбула ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан, Зайнаб маржон-маржон терлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғози бир пиёла ароқни шимирди-да, аччиқ қовурма шўрвани ичиб, бир оз ўраниб ётгач, терлади.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Тер билан қопланмоқ, терчиламоқ. *Дераза ойналари терлаяпти.*

3 *кўчма с.т.* Астойдил меҳнат қилмоқ, тер тўкмоқ. *Бир дунё иш бор экан, кўп терлайсиз ҳали.*

ТЕРЛАТМОҚ 1 Терламоқ фл. орт. н. *Аччиқ мастава уни бир оз терлатди.*

2 *кўчма с.т.* Уялтирмоқ, қизартирмоқ. *Улар [стахановчилар] лўнда гаплар билан қолоқ цех бошлиқларини роса терлатдилар.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

ТЕРЛАШ 1 Терламоқ фл. ҳар. н. *Терлаш керак.*

2 *тиб.* Организмни совитадиган физиологик механизмларнинг бири.

ТЕРЛИ Тер билан қопланиб турган. *Терли қўл. Терли юз.*

ТЕРЛИК Отнинг терини тўқимга ўтказмаслик учун тўқим тагидан қўйиладиган қалин намат парча. *Омборхонадан от абзалларини: терлик, беллик, юган, эгарни қўлтиқлаб келдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бисмилло, деб солди отнинг устига Кимхоби майиндан бўлган терликни.* «Алпомиш».

ТЕРЛОҚ Тез терлайдиган, доим терлаб турадиган. *Терлоқ оёқ.*

ТЕРМА 1 *сфт.* Саралаб-саралаб йиғиб, бирлаштириб ташкил этилган, тузилган. *Терма футбол жамоаси.* ▬ *Капсанчиларнинг кўпчилиги пахтани билмагани учун, бу экинни унча-мунча биладиган одамлардан терма бригадалар тузишни, бу бригадаларга тажрибали қарияларни бригадир қилиб тайинлашни таклиф қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *от фольк.* Бахшилар репертуарида достондан кейин, иккинчи ўринда турадиган, банд тузилиши эркин, уч қатордан 100—150 мисрагача бўладиган фольклор жанри. *Фозил Йўлдош ўғли турли мавзуларда термалар ва достонлар айтар эди.* «Ўзбек адабиёти». *Унинг [Тўхтағулнинг] ўланларида, термаларида сиёсий жўшқинлик ҳукмрон эди.* Ҳ. Нурий, Улуғ оқин. *Достон ва терма бахшилар ижодида ёнма-ён яшаб келади.* «ЎТА».

3 *от* Умуман, халқ оғзаки ижодига мансуб, одатда тўрт мисрадан иборат қўшиқ тури.

ТЕРМАКАШ 1 Термаларни дўмбирада куйловчи бахши.

2 Бошқаларнинг асарларидан терма қилувчи адиб. *Шошма, ҳали қўлларим қанотини ёзгани йўқ; мана бу термакаш Ўсаржонни четга чиқариб қўяман.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТЕРМАЛАМОҚ *кам қўлл.* Ҳар жойдан оздан териб йиғмоқ.

ТЕРМАЧИ 1 *айн.* **термакаш**.

2 *тар.* Табиий равишда етишган мева, илдизмева каби емишларни териб-йиғиб тирикчилик қилувчи. *Археологик текширишлар шуни кўрсатадики, сўнгги неолит даврига оид илк деҳқончилик маданияти маҳаллий овчи ва термачи аҳолининг ўтроқ ҳолатга ва деҳқончиликка ўтиши натижасида пайдо бўлган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ТЕРМИК [*юн.* thermos — илиқ, иссиқ] *тех., ким.* Иссиқлик билан ишлов беришга оид, шундай ишлов бериш учун белгиланган. *Термик печь. Пўлатни термик ишловдан ўтказмоқ. Термик ишлов бермоқ.* ▬ *Олимлар ва инженерлар электр термик ускуналарга хизмат кўрсатувчи ва монтаж ишларини бажарувчи роботлар яратдилар.* Газетадан.

ТЕРМИЛМОҚ Кўз узмасдан узоқ қараб қолмоқ, тикилмоқ; умид билан, бирор ички ҳиссиёт билан боқмоқ. *Асрора узоқларга термилиб туриб, алланималарни ўйларди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Комилжон хотинига меҳр билан узоқ термилиб турди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Бир ҳафтагача кишиларнинг оғзига термилиб, севимли ашуласини эшитгандек, сўзларидан завқланганини бир вақт ҳикоя қилиб берган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Улар бир-бирларига термилиб-термилиб, маъюс-маъюс қараб қўядилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТЕРМИН [*лот.* terminus — чек, чегара] Фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. *Ботаника терминлари. Заргарлик терминлари. Пахтачилик терминла-*

ри. ▬ *Йўлдош.. Элмуродга нотаниш терминларни.. тушунтира кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Терминлар илмий коммуникациядан жонли сўзлашувга ўтганда, халқ учун тушунарли сўзларга айлана боради.* «ЎТА».

ТЕРМИНАЛ [*ингл.* terminal < *лот.* terminalis – охирги, сўнгги; охирига тегишли] **1** *тех.* Ҳисоблаш системаси таркибига кирувчи, ахборотларни системага киритиш ва ундан чиқариб олиш учун мўлжалланган четда турувчи, сиртқи мослама (компьютерда ишлаганда, монитор, сичқонча, клавиатура кабилар терминал ҳисобланади).

2 Портнинг (ҳаво ёки денгиз портининг) контейнерли ва боғлама юкларни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган қисми.

3 Умуман, катта миқдордаги юк, нарса-буюм вақтинча, мавсумий сақланадиган омбор. *Пахта толаси терминали.* ▬ *Терминаллар, ўз навбатида, ташқи савдо компаниялари билан тузган шартномаларига кўра, толани экспартга ортишади.* Газетадан. *..тайёр маҳсулотларнинг терминаллар орқали хорижга чиқарилаётгани қайта ишлаш корхоналарига ҳам.. янги имкониятлар эшигини очди..* Газетадан.

4 Пластик карточкалар ёрдамида ишлайдиган, турли ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган электрон қурилма. *Республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга оширишингиз мумкин.* Газетадан. *Банк мутахассислари томонидан ўрнатилган 1300 савдо терминали ва 20 банкомат мижозлар хизматида.* Газетадан.

ТЕРМИНАТОР [*лот.* terminare – ажратмоқ, айирмоқ; йўқ қилмоқ] **1** *астр.* Сайёралар ва йўлдошлар гардишининг ёруғ (кундузги) ва қоронғи (тунги) яримшарларини ажратувчи чизиқ, чегара.

2 Йўқ қилиб, қириб ташловчи робот; йўқ қилиб бўлмайдиган одамсимон робот (америкалик режиссёр Ж.Камероннинг айни номдаги фильми қаҳрамони исмидан).

ТЕРМИНОЛОГИК Терминологияга, терминларга оид. *Терминологик луғат. Сўзнинг терминологик маъноси.* ▬ *Детерминлашиш – терминологик системадаги сўзнинг адабий тилга тўла ўзлашишидир.* «ЎТА».

ТЕРМИНОЛОГИЯ [*лот.* terminus – чегара + *юн.* logos – фан, таълимот] **1** Фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасида қўлланадиган терминлар мажмуи. *Техника терминологияси. Ҳарбий терминология. Илмий терминология. Ўзбек тили терминологияси.* ▬ *Қори ака фанлар ичида аввало математикани севиб ўрганади ва унинг ўзбекча терминологиясини ишлаб чиқади.* М. Ўрозбоев, Мўъжизалар олами.

2 Тилшуносликнинг терминларни ўрганиш, тартибга солиш билан шуғулланувчи соҳаси. *Терминология мутахассиси. Терминология бўлими.* ▬ *Семинар рус ва ўзбек тилларининг фонетикасини қиёсий ўрганиш, орфоэпия, терминология ва лексикология масалаларига алоҳида эътибор беради.* «ЎТА».

ТЕРМИТ I [*юн.* therme – иссиқлик, қайноқлик] *ким.* Алюминий ёки магнийнинг баъзи металлар оксиди билан ҳосил қиладиган, ёнганда жуда кучли иссиқлик чиқарадиган кукунсимон аралашмаси (техникада ва ҳарбий мақсадларда ишлатилади). *Термит бомба.*

ТЕРМИТ II [*лот.* termes, termitis – ёғоч емирувчи ҳашарот; қўнғиз] Асосан, иссиқ мамлакатларда катта уяларда жамоа бўлиб (бир неча юздан миллионгача) яшайдиган парда қанотли ҳашарот, ёғоч, тери, қоғоз ва баъзи экинлар зараркунандаси. *Термит дегани худди битга ўхшаш жирканч ҳашаротгина эмас, даҳшатли офат экан.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Термит – ўтлоқ устида лойдан ясалган уяларда яшовчи ҳашарот.* «География».

ТЕРМО- [*юн.* thermos – иссиқ, илиқ < therme – қайноқлик, иссиқлик] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) иссиқлик, ҳароратга алоқадорлик (мас., *термодинамика*); 2) иссиқлик, кучли ҳарорат ёрдамида ҳосил қилиш (мас., *термофосфатлар*); 3) модда ёки асбобларнинг иссиқлик хоссаларидан фойдаланиш (мас., *термотерапия, термоэлемент*) каби маъноларни билдиради.

ТЕРМОГРАФ [термо.. + *юн.* grapho – ёзаман] Температура ўзгаришларини автоматик суратда изчил ёзиб борадиган асбоб.

ТЕРМОДИНАМИК Термодинамикага оид; иссиқлик туфайли юзага келадиган ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган. *Термоди-*

намик миқдор. Термодинамик мувозанат. Термодинамик ўзгариш.

ТЕРМОДИНАМИКА [термо.. + динамика] Физиканинг термодинамик мувозанат ҳолатида бўлган тизим (система)ларнинг умумий хоссаларини ва бу ҳолатлар ўртасидаги ўтиш жараёнларини (бунда иссиқлик – энергиянинг бошқа турларига айланади) ўрганувчи соҳаси.

ТЕРМОИЗОЛЯЦИЯ [термо.. + изоляция] *айн.* **теплоизоляция.**

ТЕРМОМЕТР [термо.. + *юн.* metreo – ўлчайман] Температурани, иссиқлик ёки совуқлик даражасини ўлчайдиган асбоб. *Термометр 20 даража совуқни кўрсатар эди.* ▬ *Кишида иситма борлиги ва унинг баландлигини аниқлаш учун.. медицина термометри ишлатилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Хотин Лоланинг қўлтиғига қўйган термометрни олиб, чароққа солиб қаради-да, уни силкиб, стол устига қўйди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТЕРМОМЕТРИЯ Амалий физиканинг температурани, иссиқлик ёки совуқлик даражасини ўлчаш усуллари ва воситалари ҳақидаги бўлими.

ТЕРМОРЕГУЛЯТОР [термо.. + регулятор] Хона, печь ва ш.к. да керакли температурани автоматик равишда ҳосил қиладиган ва сақлаб турадиган асбоб.

ТЕРМОС [*юн.* thermos – иссиқ, қайноқ] Ичига қуйилган иссиқ ёки совуқ нарсани (мас., иссиқ чой ёки совуқ сувни) узоқ вақт шу ҳолича сақлайдиган махсус идиш. *Меҳри опа столча ёнидаги корзинкадан овқатликлар олди, тўрда осиғлиқ термосни очиб, стаканларга иссиқ чой қуйди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

ТЕРМОСТАТ [термо.. + *юн.* statos – тик турувчи, қўзғалмас] Чегараланган ҳажмларда (термик печь, совиткич ва ш.к. да) температурани ҳамиша бир хилда сақлаб турадиган аппарат. *Бодринг уруғи, экишдан олдин, уч суткагача 50–51 даража иссиқда термостатда қиздирилиб, бинафша метилен эритмаси билан ивитилади.* «Фан ва турмуш».

ТЕРМОСТАТИК Термостатга оид. *Термостатик камера.*

ТЕРМОЭЛЕКТР(ИК) [термо.. + электр] Электр ўтаётган занжирдаги электр ва иссиқлик жараёнлари ўртасидаги боғланишга оид, шу сабабли ҳосил бўлган. *Термоэлектр(ик) ҳодиса. Термоэлектр(ик) ток.*

ТЕРМОЯДРО [термо.. + *р.* ядро – мағиз, уруғ; ўзак]: **термоядро реакцияси** Енгил атом ядроларининг ўта юқори (камида 10 миллион градус) температураларда кечадиган ўзаро реакцияси, жараёни. **Термоядро қуроли** Термоядро реакцияси туфайли портлайдиган, шикастлаш воситаси ядро зарядидан иборат бўлган қурол.

ТЕРМОҚ 1 Сочилиб ёки тўкилиб ётган нарсаларни қўл билан бирма-бир олиб тўпламоқ, йиғмоқ. *Сойликдан майда тош термоқ. Ўтин термоқ.* ▬ *Эрталаб Бегойим: «Ғуломжонларнинг қантак ўриги тўлиб ётибди, териб келгин», деб тайинловди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен ёшликдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дон, мева, гул ва ш.к. ўсимлик ҳосилини бирма-бир олиб тўпламоқ, йиғмоқ. *Гул термоқ. Ёнғоқ термоқ. Мош термоқ. Олча термоқ.* ▬ *Пахта терсанг, тоза тер, Чаноғида қолмасин.* «Қўшиқлар». *Баҳор келди элимизга – Кўм-кўк бўлди боғ, дала. Севинч тўлиб дилимизга, Териб келдик гул-лола.* И. Муслим. *Тоққа чиқиб терганинг Писта билан бодомми?* «Қўшиқлар».

3 Маълум тартибда устма-уст, ёнма-ён ёки бирин-кетин жойламоқ, ўрнаштирмоқ, тахламоқ. *Китобларни токчага термоқ. Омборга қовун териб қўймоқ. Саватга нон термоқ. Яшикларга олма термоқ.* ▬ *Нигор ойим ошхонада мантиларни қасқонга териб, қозонга уяр, Раъно бўлса, айвонда кичкина укалари орасида ўтирар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ғишт термоқ 1) ғиштларни маълум тартибда тахламоқ. *Сидиқжоннинг диққати ўнг томондаги тўқайннинг очиқ ерига териб қўйилган сон-саноқсиз ғиштга жалб бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) ғиштларни лой ёки цемент қоришмаси билан ўзаро бириктириб, девор ва ш.к. қурмоқ. *Бинонинг ғиштини термоқ*; 3) ётқизмоқ. *Ҳовли саҳнига ғишт термоқ.*

4 Нарсаларни тешиб ёки тешигидан ип, сим ва ш.к. ўтказиб, қатор, ёнма-ён жойлаштирмоқ, тизмоқ. *Ипга мунчоқ термоқ.* ▬ *Ҳаётхон бечора ип эшиб, марваридларни теришга ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Эшонхон чаққонлик билан сихларга кабоб*

терарди. Ойбек, Улуғ йўл. ***Ўзиям унча-мунча маржонлардан эмас, ўн икки шода-я! Мунчани тергунча, юрагинг қон бўлиб кетади.*** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Нарсаларни жойидан, орасидан бирма-бир юлиб, ажратиб олиб ташламоқ. *У [Мулла Шамсиддин] эшик олдидаги супада, олдида бир ғалвир майиз, чўпини териб ўтирган эди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Сигирнинг қулоғига яна кана тушибди! Канадан ҳам кўра сигир унинг [Бақоевнинг] аччиғини келтирар эди: канани терай деса, қўймайди, бошини силкийди, пишқиради.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

6 *плгрф.* Босиш, нашр этиш учун типографик белги ва ҳарфларни тегишли тартибда жойлаштириб, бирор матн ҳосил қилмоқ. *Эълонни йирик ҳарфлар билан термоқ.*

7 Айрим белги ёки рақамларни ёнма-ён, бирин-кетин олиб, келтириб, бирор бутунлик ҳосил қилмоқ. *Лаълихон гаплашиш учун телефон олдига борди, трубкани қўлига олиб, керакли номерларни тера бошлади.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

8 Сараламоқ, танламоқ. *Футбол командасига кучли ўйинчилар териб олинди.* ▬ *Полклардан ажратиб, териб олинган ҳужумкор отрядлар артиллерия отишмаларидан сўнг душман устига ташланди.* Назармат, Жўрлар банд сайрайди.

9 Кетмон, теша, болта каби асбоблар юзини болғалаб текисламоқ, ёймоқ ёки ўткирламоқ. *Кетмон юзини термоқ. Теша тиғини термоқ.*

Без термоқ *қ.* **без**. I. **Ризқини термоқ** Насибасини топиб еб, кун кечирмоқ, амал-тақал кун кўрмоқ. *Шунинг учун «одамларнинг ҳожатини чиқариб юра турай, тузук иш ўзи чиқиб қолади», деган ўйда сочилган ризқини териб юра берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Тошингни тер** *қ.* **тош.**

ТЕРРАРИУМ террарий [*лот.* terra – ер, майдон] Унча катта бўлмаган, тажриба ёки намойиш қилинадиган судралувчилар, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи жониворларни сақлаш, ўрганиш ҳамда кўпайтиришга мўлжалланган махсус жой, бино. *Кузатиш постлари товус, кийик, олмахон сақланаётган катакларга, қурбақа ва илонлар боқилаётган террариумга ўрнатилган.* Газетадан.

ТЕРРАСА [*фр.* terrasse < *лот.* terra – ер, замин] **1** Тоғ ёнбағирларидаги зинапоясимон бўлиб тушган табиий ёки сунъий текис саҳн, майдонча. *Террасалар ҳозирги вақтда турли экинлар ва мевазорлар билан банд бўлган ерлардир.* «Ўзбекистон географияси».

2 Ёзги енгил айвон, пешайвон.

ТЕРРЕНКУР [*нем.* Terrainkur < *фр.* terrain – жой, ер; очиқ саҳн + *нем.* Kur – даволаш] Курорт ва санаторийларда даволаниш мақсадида маълум маршрут бўйлаб пиёда юриш ҳамда шундай юриш учун тайёрланган, масофалари кўрсатилган махсус йўл, йўлка. *Ҳар куни субҳидам чоғларида терренкурлар одамга тўлиб кетади.* И. Раҳим, Ихлос.

ТЕРРИТОРИАЛ *қ.* **ҳудудий.** *Территориал шевалар. Территориал бўлиниш.* ▬ *Территориал бошқарма бутун техникани, ишни ўз қўлига жамлабди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТЕРРИТОРИЯ [*лот.* territorium < terra – ер, замин] *қ.* **ҳудуд**. *Тадқиқотлар асосида республика территориясини сейсмик районлаштириш тафсилий карталари тузиб чиқилди.* Газетадан. *Мамлакатимизда табиий бойликларга сероб янги территориялар тезкорлик билан ўзлаштирилмоқда.* «Фан ва турмуш».

ТЕРРОР [*лот.* terror – қўрқинч, даҳшат] Қўрқитиш сиёсати, сиёсий мухолифларни зўравонлик билан бостириш. *Ирқчилар террори. Террор қилмоқ.* ▬ *Жосуслик, диверсия, террор акти.. қотиллик каби жиноятлар учун ўлим жазоси берилиши мумкин.* Газетадан.

ТЕРРОРИЗМ [*лот.* terror – қўрқинч, даҳшат] Террор билан амалга ошириладиган сиёсат ва тактика; сиёсий рақибларни, мухолифларни йўқ қилиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва б.); террорчилик.

ТЕРРОРИСТ *қ.* **террорчи**.

ТЕРРОРИСТИК Террорга, терроризмга асосланган; терроризмдан, террорчиликдан иборат бўлган; терроризмга амал қилувчи. *Террористик режа. Террористик ташкилот, Террористик ҳаракат.* ▬ *Бу генерал инглизларга ҳам гитлерчи бомбардимончиларнинг Англияга террористик мақ-*

садда учишларини уюштирган кишиларнинг бири сифатида маълумдир. Газетадан.

ТЕРРОРЧИ Фикр ва мақсадини террор йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилувчи шахс.

ТЕРРОРЧИЛИК *айн.* **терроризм.**

ТЕРС 1 Асл, меъёрий, одатдагига қарама-қарши ҳолатли; олднинг акси; тескари. *Қулаҳмад ўзини кибор тутар, одам юзига боқмай, терс қараб гапирарди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Катта ҳовлига терс бўлган панароқ жойда самовар қўйиш билан машғул бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшакка терс миндирилган.. юзига куя суркалган Умаралини кўрган Зумрад.. ҳушсиз қотиб қолди.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Қарама-қарши томон; тескари. *Моҳирўй шу кўйи қачон мени кўрса, йўлини терс соладиган қилиқ чиқарди.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги. *-Ҳой, менга қаранг, — деди Ёқутойим шиддат билан ойнага терс ўгирилиб..* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ўзаро муомала, муносабат ва ш.к. да бир-бири билан келишмайдиган; тескари. М*ахсум Миробид билан илгари терс бўлса, энди апоқ-чапоқ, оғиз-бурун ўпишади.* В. Ғофуров, Вафодор. *Шаҳноз билан терс бўлгандан бери икки йил ўтиб кетди..* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

4 Хулқ-одоб, муомалада қўпол; қўрс. *Хулқи терс, оғзига келганини гапиради, ёзади.* А. Мухтор, Чинор. *Ҳожи сўзини тугата олмади. Ҳожининг терс сўзига чидолмаган Азизбек ваҳшийларча ҳайқирди: -Нима дейсан!?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕРСАЙМОҚ 1 Хафа бўлиб, нимадир ёқмай (ёқтирмай) қовоқ солмоқ; тумраймоқ. *Отабек терсайганча чойга келиб ўтирди, отасига салом ҳам бермади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампир жаҳл билан терсайиб олди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар. *У* [*Кумуш*] *меҳмонхонага киргандан сўнг ҳам терсайиб, токчалардан недир ахтаргандек юрина бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕРСКАЙ Қуёшга тескари, қуёш тушмайдиган, шимолга қараган (тоғ, баландлик ёнбағри, чуқурлик ва ш.к. ҳақида). *Унга Шербек анави терскай, қор ётган қирнинг ортидан ҳали замон от ўйнатиб чиқиб коладигандай туюлаверди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Атрофини қуршаган тошлар орасидаги ўрикзор чорбоғлар, кундузи қуёш, кечаси ой нуридан ярқирайдиган харсанг тошлар, кун тушмас терскай жилғалар унинг кўз олдини банд этиб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЕРСЛАНМОҚ 1 Ўжарлик қилмоқ, терс, тескари иш қилмоқ. *Боланинг терсланадиган одати йўқ.*

2 Тумтайиб олмоқ, қовоқ-димоғ қилмоқ, терсаймоқ. *Эр-хотин индамади, худди маслаҳатлашгандай терсланиб олишди. Орага ноқулайлик чўкди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТЕРСЛИК Терс ҳолат, хусусият, хатти-ҳаракат, қилиқ. *Терслик қилмоқ.* ▬ *Шаҳарнинг терсликларига тишни тишга қўйиб чидардим..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ТЕРТ Сомон, хашак ва ш.к. дағал озуқаларга майдаланган кунжара, кепак каби тўйимли озуқалар аралаштириб, қориб тайёрланган ем. *Молнинг палови — силос, ҳозирча кепак сепиб, терт қориб беринглар, болам.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Йигитали онаси билан, у сигирга ем бергани чиққан вақтда учрашди.. онасининг қўлидан терт қорилган тоғора ерга тушиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТЕРЦЕТ [*итал.* tezzetto < *лот.* tertius — учинчи] *муc.* **1** Уч хонанда ёки уч чолғу асбоби учун ёзилган мусиқий асар.

2 Уч хонандадан ташкил топган ансамбль.

ТЕРЦИЯ [*лот.* tertia — учинчи] **1** *муc.* Диатоник гамманинг учинчи пардаси ва шу гаммадаги уч пардали интервал. *Оралиғида бир босқич қолдириб тузилган интервал терция деб аталади.* И. Акбаров, Музика саводи.

2 *плгрф.* Босмахона шрифтларидан бирининг номи (китоб, газета ва журналларда — сарлавҳаларни, титул варақларда эса нашр номини теришда ишлатилади).

ТЕРЧИЛ *кам қўлл.* Тез терлайдиган, терлаб турадиган; терлоқ. *Киши тўни кирчил бўлар, Киши оти терчил бўлар.* Мақол.

ТЕРЧИЛАМОҚ 1 Буғдан ҳосил бўлган томчилар билан қопланмоқ. *Ҳаммомнинг девори терчилаб турарди.*

2 Андак терламоқ. [*Мирвосилнинг*] *Офтоб таъсирида қорайиб, шўралаб кетган пешонаси, кечки салқинга қарамасдан, терчилаб турарди.* Ҳ. Назир, Одамнинг қадри.

ТЕСКАРИ 1 Одатдаги, ўнг, тўғри деб қабул қилинган ҳолатга, йўналиш, тузилиш, тартиб ва ш.к. га қарама-қарши бўл-

ган; терс. *Тескари иш. Бўлувга тескари амал — кўпайтирув. Кепкани тескари киймоқ. Китобни тескари ушламоқ. Стулга тескари ўтирмоқ. Сўзни тескари ўқимоқ. Сув тескари оқмайди.* ▬ *Қўлимга тушганида, юзига куя суриб, эшакка тескари миндирар эдим-у, бозорнинг ўртаси билан ҳайдаб, тўппа-тўғри қозининг ҳузурига олиб борар эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бўта, қуруқ чойни нонсиз иссиқ-иссиқ ҳўплаб, чойнакнинг қопқоғини тескари ёпиб, ичига иккита ўн тийинликни ташлаб, ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Қарама-қарши томон, ўнг бўлган томонга қарши, терс. *Узоқ ўйлаб турмай, бу кунги Тиктепанинг гузарга тескари томонидан ўзи учун бир «бошпаноҳ» очиш қарорига келади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мен қаёққа бошласам, меҳмон юрмайди, тескари томонга йўл олади.* «Гулдаста».

3 Қарама-қарши, хилоф, зид. *Агар биронта иш унинг* [*Хушрўйнинг*] *тилагига тескари кетса, шовқин-суронни худди бошига кийиб олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Киши кўринишда ва муомалада бир хил, ҳақиқатда, ички жиҳатдан тамом тескари бўлиб қолиши мумкин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Ақл-одоб, иш-фаолият ва ш.к. да ўзаро зид, бир-бирининг акси бўлган, бир-бири билан келишмайдиган ҳолатли. *Шайхулисломнинг Улуғбек мирзога очиқдан-очиқ тескари бўлиб олганини кўрган Тархон ёқасини ушлади..* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Бирор нарсанинг орқа томони, орқаси, астари. *Газламанинг тескариси. Кўрпанинг тескариси.* ▬ *Битта кулчани кафтига тескари қўйиб туриб, мушти билан ўртасига урди..* Ҳ. Ғулом, Машъал.

6 *кўчма* Бир-бири билан гаплашмайдиган, аразлашган. *Улар бир-бирлари билан тескари бўлиб қолдилар.* ▬ *Олти ойдан бери юз кўришмаган қайната-куёв бирга ишлашяпти-я? Бир ҳисобдан яхши бўпти. Токайгача тескари бўлиб юришади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

Иши тескари кетди Иши юришмай қолди, иши орқага кетди, пачава бўлди. **Тескари дунё** Бевафо, ўзгариб турувчи дунё. *Қандай қилай, шундай тескари дунё экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. **Тўнини тескари киймоқ** *қ.* **тўн**. **(Худо) Юзини тескари қилсин** Худо кўрсатмасин, унга дучор ёки гирифтор қилмасин. *Ёмоннинг юзини тескари қилсин.*

ТЕСКАРИЛАНМОҚ Ўгирилиб, тескари вазият олмоқ, тескарисига ағдарилмоқ.

ТЕСКАРИЛАШМОҚ 1 Ўжарлашмоқ, қайсарлашмоқ.

2 Бир-бири билан тескари бўлиб қолмоқ, уришиб, аразлашиб қолмоқ.

3 Тескари, орқага кетмоқ. *Иши тескарилашиб кетди.*

ТЕСКАРИЛИК 1 Тескари ҳолатлилик. *Эгнидаги кўйлакнинг тескарилигини сезмабди.*

Тескариликка олмоқ Айтилган гапни, фикрни тескари, нотўғри, аксинча тушунмоқ ёки тушунтирмоқ, тескарига бурмоқ. *Мен жўрттага баъзи гапларни тескариликка олиб кўрсам ҳам, у* [*Зайнаб*] *чурқ этмайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *с.т.* Ўжарлик, қайсарлик, терслик. *Мунча тескарилик қиласан.*

ТЕСКАРИСИГА *рвш.* Тескари йўналишда; қарама-қарши томонга, орқага қараб. *Ҳеч қачон Қуёш тескарисига юрадими?* ▬ *Мен бу ёқдан қарз бераверсам, сен болачақанг билан еяверсанг, қачон тўлайсан? Замон бундай тескарисига айланиб, инсондан имон қочиб турибди, ахир.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЕСКАРИСИЧА *кам қўлл.* Қарама-қарши йўналишда, тескари ҳолда. *Тескарисича иш тутмоқ.*

ТЕСКАРИЧИ Ижтимоий тараққиёт, инқилобий ҳаракат кабилар душмани, сиёсий реакция тарафдори. *Марғилонда Саркор бошлиқ тескаричилар Нурхонни ўлдириш вазифасини унинг акаси Маматга юклайдилар.* М. Исроилов, Драматургияда деталь. *Хат узоқдан келмаганлиги, шу ернинг ўзида ёзилганлиги, унда тескаричилар вакилининг қўли борлигини айтишди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТЕСКАРИЧИЛИК Тескаричиларга хос иш-фаолият, хатти-ҳаракат; реакция.

ТЕСТ [*ингл.* test — синаш, текшириш, ўрганиш] **1** *психл. пед.* Шахснинг (текширилувчининг) ақлий ривожи, қобилияти, малака ва кўникмалари, иродавий сифатлари, шунингдек, унинг бошқа руҳий хусусиятларини аниқлашда, текширишда қўлланадиган қисқа стандарт топшириқлар.

2 Муайян ижтимоий тадқиқотлар учун фойдаланиладиган материал сифатида тар-

қатиладиган саволнома; сўроқ варақаси. *Кейинги вақтларда жамиятимизда анкета сўрови ёки тест ўтказиш ўзига хос модага айланиб бораётгани кўзга ташланади.* «Тафаккур».

ТЕСТЛАШ(ТИРИШ) Тестлар ёрдамида муайян бир шахснинг афзаллик томони, билими ва қобилиятини аниқлаш.

ТЕТАПОЯ 1 Зўрға, у ёқ-бу ёққа ташланиб бўладиган (асосан боланинг қадами ҳақида). *Бола она атрофида, тол тагида Юра бошлар, қадамлари тетапоя.* Ҳ. Пўлат.

2 Ана шундай қадамлар билан юрадиган. *Тетапоя болани сўқмоқ йўлдан катта йўлга чиқариб юборган муаллимнинг инсон ҳаётида озмунча ҳиссаси борми!* А. Маъзумов, Мураббий. *Оёғи остида ўралашиб юрган тетапоя қизчасини йиқитиб ўтиб кетди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Румия беморлик тўшагида узоқ ётди. Тетапоя бўлиб юра бошлаганидан кейин ҳам оғир изтироб чекадиган бир турда бўлиб қолди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

3 *кўчма* Ўз ҳаёти, фаолиятида энди иш бошлаган, энди мустақил ҳаёт кечира бошлаган, ҳали мустаҳкам оёққа туриб олмаган (оила, ташкилот, жамоа ва ш.к. ҳақида). *Коллективимизнинг тетапоя вақти ўтиб кетган, энди уни бузолмайсиз, ўртоқ Раҳмонқулов!* А. Мухтор, Туғилиш. *Колхоз энди тетапоя бўлаётган кунларда душман хуруж қилди, жамоат мулкига ўт қўйдилар, уруғлик ғаллани ўғирладилар, турли-туман мишмишлар тарқатдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Пахта нима, деҳқончилик нима — энди тетапоя бўлиб ўрганиб келяпсизлар.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ТЕТИК 1 Жисмоний, руҳий жиҳатдан заифлашмаган; бардам. *Онам етмишдан ошиб қолган бўлсалар ҳам, ҳали анча тетиклар..* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Иброҳим ота бардамми, Ойша хола тетикми, уканг Шерниёз соғми?* Ж. Шарипов, Хоразм. *Оғайнилар тушкунликка тушмадилар. Кувноқ ва тетик кайфиятда хайрлашдилар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Ҳаракат-ҳолати, даражаси ва ш.к. жиҳатдан бардам, тийрак. *Темиржон одамлар қатори кўпайган тротуарда илдам ва тетик қадам отиб борарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Азиза ўзини бир оз олдирган, аммо ҳамон ўшандай чиройли, кўзлари киртайиб қолган бўлса ҳам, тетик боқар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Сойлик томондан келаётган тетик ва янгроқ овоз Элмуроднинг ўйини бузди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *кўчма* Ҳайиқишни билмайдиган, дадил гапирадиган, ўз фикрини баралла айта оладиган. *Қандолат опага не бало бўлди, дейман, ҳайрон бўламан. Гапга чаққон, тетик хотин эди-ку!* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Поччаев, қурилишга бирон фикри тетикроқ бола келиб қолса, дарров изига тушади.* А. Мухтор, Туғилиш.

ТЕТИКЛАМОҚ *кам қўлл.* Тетиклик бағишламоқ, тетиклантирмоқ; ҳушёр қилмоқ. *Подшонинг, гарчи мастлик вақтида бўлсада, у билан аччиқ суҳбат қилиши Маждиддинни тетиклади.* Ойбек, Навоий.

ТЕТИКЛАНМОҚ 1 Жисмонан тетиклик касб этмоқ; бардам бўлмоқ. *Муздай сув кўзини мошдек очди. Яна мияси фикр қила бошлади, ўзи тетикланди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [*Қурбон ота*] *Касалхонада яқин икки ой ётиб, оёқлари тузалди, ўзи жуда тетикланди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

2 Дадиллик касб этмоқ, ўзини тетик сезмоқ; дадиллашмоқ. *Дастлаб ўзини айбдор сезиб, шумшайиб ўтирган бола секин-секин тетикланди.* Ойбек, Қуёш қораймас. -*Бари бир шу ерда тунашга тўғри келади* [*деди бекнинг укаси Меъморга*]. -*Тунаймиз, — деди Меъмор негадир тетикланиб.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТЕТИКЛАШМОҚ Тетиклик касб этмоқ, тетик бўлмоқ. *Унинг руҳи тетиклашди.* ▬ *Раҳимберди бир оз тетиклашди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. *У сал тетиклашиб, ташқарига чиқди.* С. Йўлдошев, Қиз қалби.

ТЕТИКЛИК 1 Тетик, бардам ҳолатга эгалик. *Унинг* [*Асроpқулнинг*] *тетиклиги, шахдам қадам ташлаши, ёш болага чиққан соқолдай, кишининг кулгисини қистатар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Куч-қувватга тўла, тетик, бардам кишиларга хос жисмоний ва руҳий ҳолат; бардамлик. *Йигитали ачасининг дардни енгиб, туриб кетишидан ранжиса ҳам, юзидаги тетикликдан хурсанд бўлди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *У кўзини очиб, ўзини тетикликка солди ва Каримжон билан самимий кўришди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

ТЕТР-, ТЕТРА- [*юн.* tetra — тўрт] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг би-

ринчи қисми бўлиб, муайян сўз (тушунча)нинг «4» рақами билан боғлиқлигини билдиради. мас., *тетралогия, тетрод.*

ТЕТРАЛОГИЯ [тетра.. + *юн.* logos – билим, тушунча; сўз] *ад. снт.* Бир муаллифнинг ягона ғоя, мазмун ва образлар билан ўзаро боғланган тўртта адабий, мусиқий ёки саҳнавий асари.

ТЕТРАЭДР [тетра.. + *юн.* hedra – асос, юза; ёқ, томон] *мат.* Ҳар бир ёғи ўзаро тенг учбурчаклардан иборат бўлган тўрт ёқли пирамида.

ТЕТРОД [тетр.. + (электр)од] *тех., радио.* Тўрт электрод (катод, анод ва иккита тўр) ли электрон лампа.

ТЕХНЕЦИЙ [*юн.* technetos – сунъий; табиий эмас] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сунъий йўл билан олинган, қийин эрувчи кумушсимон-жигарранг радиоактив металл.

ТЕ́ХНИК 1 Ўрта техник маълумотга эга бўлган ва техниканинг бирор соҳасида ишлайдиган мутахассис. *Техник чақириб, план ва смета тузиш, неча пуд тунука керак бўлишини билиш зарур экан.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Техник, прораб керак, ғиштчи, сувоқчи, гулкор, моҳир дурадгорлар керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Техника соҳасида ишловчи мутахассис. *Рус техниклари ва олимлари график тасвирларни такомиллаштириш ишига катта ҳисса қўшганлар.* А. Абрикосов, Чизмачилик.

ТЕХНИ́К 1 Техникага оид, техника ва ундан фойдаланишга алоқадор; техникавий. *Техник билимлар. Техник прогресс. Техник назорат. Техник таълим.*

2 Техника, машина, механизмлар ишига боғлиқ бўлган. *Техник сабабларга кўра дастгоҳ тўхтаб қолди.*

3 Саноатда, техникада ишлатиладиган ёки қайта ишланадиган. *Техник мой. Техник тола.*

Техник котиб Ёзув-чизув ишларини олиб борувчи идора ходими. **Техник муҳаррир** Босма асарда материалнинг жойланиши, матнларнинг тегишли ҳарфлар билан терилиши ва ш.к. масалалар билан шуғулланувчи махсус муҳаррир.

ТЕХНИКА [*юн.* technike – моҳир, уста < techne – санъат, маҳорат] **1** Жамиятнинг инсон фаолиятидаги ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширувчи ва ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хизмат қилувчи воситалар йиғиндиси. *Илғор техника. Авиация техникаси. Пахта териш техникаси. Техника фанлари. Техникадан унумли фойдаланмоқ.* ▬ *Душман Орёл ва Белгород районларига.. бу кунгача ҳеч қайси фронтда кўрилмаган ёки оз кўрилган техникани тахт қилиб қўйган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Жабборов техникани яна бир сидра кўздан кечириш учун беш кун имконият борлигини айтди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти. *Бизнинг замонамиз ишлаб чиқарувчи кучларнинг шиддат билан ривожланиши, фан ва техника тараққиётининг тезлашиши билан характерланади.* «Фан ва турмуш».

2 Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида қўлланадиган машина, механизм, асбоб, қурол, мослама ва ш.к. лар мажмуи.

3 Бирор иш-фаолият ёки ҳаракат турида орттирилган маҳорат даражаси, малака ва кўникмалар йиғиндиси; санъат, маҳорат. *Сузиш техникаси. Қурилиш техникаси. Спорт техникаси. Балет техникасини эгалламоқ.*

Техника экинлари Ҳосили саноат учун хомашё сифатида ишлатиладиган экинлар (мас. пахта, зиғир, каноп, қанд лавлаги, кунгабоқар ва ш.к.). **Хавфсизлик техникаси** *ёки* **техника хавфсизлиги** Ишлаб чиқаришда ҳалокат ва фалокатларнинг олдини олишга қаратилган иш усуллари ва воситалари тизими. *Коммунал хўжалик идоралари техника хавфсизлиги юзасидан ғамхўрлик қилишлари даркор.* Газетадан.

ТЕХНИКАВИЙ *айн.* **техник**. *Техникавий ёрдам. Техникавий тадбирлар.* ▬ *Ўзбек тилига ҳар хил мавзу гуруҳларига оид техникавий терминлар ўзлашган.* «ЎТА».

ТЕХНИКУМ [*лот.* technicum < *юн.* techne – касб-ҳунар] Ўрта махсус ўқув юрти: саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш ва б. соҳалар учун кадрлар тайёрлаб берувчи ўқув муассасаларининг умумий номи. *Қурилиш техникуми. Техникумда ўқимоқ.* ▬ *Ҳозирнинг ўзида шаҳримизда индустриал техникум, Тошкент давлат политехника институтнинг филиали ишлаб турибди.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *Техникум жамоаси янги ўқув йилига катта тайёргарчилик билан келди.* Газетадан.

ТЕХНОЛОГ Технологиянинг у ёки бу соҳаси бўйича мутахассис. *Чирчиқ шаҳридаги «Электромаш» заводининг бир гуруҳ технологлари мураккаб конвейер ижод қилдилар.* Газетадан.

ТЕХНОЛОГИК Технологияга оид; материаллар ва маҳсулотларга ишлов беришнинг усул ва йўллари билан боғлиқ бўлган. *Технологик билим. Технологик талаб. Мева консервалари тайёрлашнинг технологик жараёни.* ▬ *Уруғлик чигитнинг вилтга чидамли янги навларини, шунингдек, юксак технологик сифатларга эга бўлган чигитни экиш анча кўпайтирилди.* Газетадан.

ТЕХНОЛОГИЯ [*юн.* techne – маҳорат, санъат + logos – таълимот] **1** Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, яримфабрикат ва ш.к. ларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланадиган усуллар (методлар) мажмуи. *Металлар технологияси. Кимёвий технология. Атлас тўқиш технологияси. Илғор технология.* ▬ *Убайднинг ташаббуси билан ҳосилни ўриб-йиғиб олишга илғор технология жорий этилди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Технология жараёни электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида бошқарилади.* Газетадан.

2 Хомашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида ишлов бериш усул ва йўллари ҳақидаги фан. *Металлар технологияси.*

ТЕША 1 Тиғи дастасига нисбатан кўндаланг ўрнатилган чопиш, кесиш қуроли. *Даст теша. Пой теша.* ▬ *На ўтин бўлмаса, на ўтинни ёргани тешаси бўлмаса, нима қиламан?* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси. *Ҳашарчилар кетмон, белкурак, теша, газ ва бошқа асбоб-ускуналарни мактаб омборчисига топшириб, уй-уйларига тарқалдилар.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.

2 Теша (эркаклар исми).

Оёғига (*ёки* **тагига, илдизига** *ва ш.к.*) **теша урмоқ** *айн.* **оёғига болта урмоқ** *қ.* **болта**. *Бир неча қизимизнинг номусини барбод этган, хонадонларни бузган, мустаҳкам ахлоқимизга теша урмоқчи бўлган.. иблисни фош қилиб, сизни фалокатдан қутқариб қолмоқчиман.* F. Ғулом, Халқ ҳукмига ҳавола. **Теша тегмаган** Илгари ишлатилмаган, эшитилмаган; бутунлай янги (сўз, гап, фикр, хабар, янгилик ва ш.к. ҳақида). *Теша тегмаган гаплар. Теша тегмаган янгилик.* ▬ *Юсуфжон қизиқнинг Охунжон қизиқ билан қиладиган теша тегмаган аскиялари.. ва латифалари залда гулдурос қарсакларга ва кулги кўтарилишига сабабчи бўлди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Тикила туриб, хаёлида бир теша тегмаган фикр уйғонди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. **Холвачининг тешасидай** 1) қисқа, калта. [*Гулжон Мирзараимга*:] *Аввал Рустамбекнинг тилидан ҳолвачининг тешасидай калтагина хат қилдирдим.* Ҳамза, Паранжи сирлари; 2) чаққон, эпчил (киши ҳақида).

ТЕШИК Тешилган жой, ковак, ўйиқ. *Игнанинг тешиги. Буруннинг тешиги. Деворнинг тешиги. Қопнинг тешиги. Қулоқнинг тешиги. Тешик халта. Тешик челак.* ▬ *Меҳмонхонанинг қатор уч эшиги милтиқ сиғарлик ўлчакда бир неча жойидан тешилди. Милтиқлар у тешикларга қўйилиб, отила бошлади.* С. Айний, Қуллар. *Йигитча кўчанинг нариги муюлишидаги эшик ва бўғот тешикларидан гуркураб тутун чиқаётган уйни кўрсатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Яхшиям вақтида бориб қолгани, йўқса.. чодирнинг тешик жойи бор экан, кечаси ёмғир ёққанда, тўппа-тўғри чақалоқнинг устига томаверибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Кирмаган тешиги қолмади *ёки* **кирмаган тешиги йўқ** Кирмаган, йўлиқмаган жойи қолмади; ҳамма жойга кириб, суқилиб юради. **Тешик мунчоқ ерда қолмас** Узоқ вақт турмуш қилмай, уйда ўтириб қолган қиз-жувонлар ҳақида, шунингдек, ҳар бир нарса вақти келганда керак бўлиши, ишлатилиши мумкинлиги ҳақида айтиладиган ибора. *Бо худо, тешик мунчоқ ерда қоптими? Сочингнинг мўйича эр. Кимлар олмайди сени?!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Тешик томоқ** (*ёки* **жиғилдон**) Ҳар қандай овқат талаб киши; хўранда. *Қарамоғимда ўн иккита еяр оғиз, тешик томоқ бор.* ▬ *Биз бунақанги тешик жиғилдонларнинг баҳридан ўтмасак бўлмайди.* А. Муҳиддин, Нуқсонбой. **Тешик қулоқ эшитади** Қулоғи бор, албатта эшитади, гап албатта етиб боради. *У ҳам.. ишлайди. Бирда бўлмаса бирда эшитади. Тешик қулоқ эмасми?* Ойдин, Мардлик – мангулик.

ТЕШИЛМОҚ Тешмоқ фл. ўзл. ва мажҳ н. *Девор тешилибди. Самовар тешилибди. Қоп тешилиб қолибди. Тахта парма билан тешилади.*

Бағри тешилмоқ Бағри қон бўлмоқ, қаттиқ ғам ёки азоб чекмоқ. *Хумор деса, сийнабағрим тешилар, Ўтингда томирлар ипдай эшилар.* «Равшан». **Кўзи тешилмоқ** Кутавериб кўзи тўрт бўлмоқ, тоқати тоқ бўлмоқ. *Ёрнинг йўлига боқиб, Тешилди кўзим менинг.* Ё. Мирзо. **Кўзинг тешилгур**! *қарғ.* Кўзинг ўйилиб тушгур!

ТЕШМОҚ Пармалаб, ўйиб, суқиб, куйдириб ёки бошқа бирор йўл билан тешик ҳосил қилмоқ. *Тунукани мих билан тешмоқ. Тахтани чўғ билан тешмоқ. Ёғочни парма билан тешмоқ. Ўқ зирҳни тешиб ўтолмабди. Сув тўғонни тешиб ўтибди. Томчи тошни тешар.* Мақол. ▬ *Бу милтиқлар отилмайди – ўқдони тешиб қўйилган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Маҳалланинг баъзи бир ўспиринлари пичоқ билан қопни ё яшикни тешар, чўнтакларига кўрқа-писа мева солардилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИБ [*а.* طبّ – табобат; даволаш] *қ.* **тиббиёт.** *Кейинчалик Абу Али ибн Сино номи билан машҳур бўлган ёш Ҳусайн ҳар куни ярим кечагача ўтириб, юнон ва араб ҳукамоларининг тиб ва фалсафага оид китобларини ўқир эди.* М. Осим, Китобга ихлос. *Қадимий шарқ тиб қўлёзмаларида мумиёнинг икки хил бўлиши айтилади.* Л. Шокиров, З. Ҳакимов, Мумиёйи асл.

ТИББИЁТ [*а.* طبّيات – табобат, даволаш; медицина] Кишилар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи. *Абу Али ибн Сино бундан минг йил илгариёқ ўсимликлардан дори-дармонлар олиб, тиббиётда қўллаган.* Газетадан. *Товуш тўлқинларини тутгич вазифасини ўтовчи қулоқ супраси табобатда катта аҳамиятга молик экани Шарқ тиббиётида қадимдан маълум.* «Фан ва турмуш». *Милодга қадар бўлган тиббиётда зира кенг кўламда қўлланган.* М. Набиев, Зира. *Тиббиёт фанлари доктори.. Мусабоевнинг юзлаб, минглаб беморларнинг жонларига ора кирганлиги шубҳасиз.* Газетадан.

ТИББИЙ [*а.* طبّى – тиббиётга, дори-дармонга алоқадор] Тибга, тиббиётга оид, алоқадор. *Тиббий ходим. Тиббий ёрдам.* ▬ *Тошмат шимининг чўнтагидан тиббий экспертиза справкасини чиқариб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди.* И. Раҳим, Ихлос. *Бирдан тиббий пункт ёдига тушдию, боланинг ҳаёти фақат ўша ердагина сақланиб қоладигандек югурди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТИББИЯ [*а.* طبّيه – тиббиёт] *эск. кам қўлл. қ.* **тиббиёт, тиббий.** *Ўрта Осиё дорилфунунининг тиббия факультетининг талабаларидан.. Мирсоатов.. хотин олишга ҳаракат этди.* «Муштум».

ТИВИТ Ҳайвонларнинг нозик ва майин жуни; шу жундан тўқилган, ишланган мато; шу матодан ишланган, тикилган нарса. *Сифатли тивит олиш мақсадида ҳар йили қишловга пухта тайёргарлик кўрамиз.* Газетадан. *Қурбон ота ўтирди. Столга ёпилган мовутнинг тивитини юлқиб, бир оз жим қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Чап қўлдаги тор кўчадан бошига тивит рўмол ўраган ёшгина бир қиз югуриб чиқди.* С. Абдуқаҳҳор, Ушалган орзу.

ТИГЕЛЬ [*нем.* Tiegel < *лот.* teganum – томга ёпиладиган материал; черепица] **1** *тех. ким.* Турли материаллар (металл, шиша ва б.) ни қиздириш ва эритиш учун ишлатиладиган, графит, чинни ва оловбардош материаллардан тайёрланган махсус идиш. *Мамлакатимизда графитдан, асосан.. қалам ишлаб чиқаришда, рангли металлар эритиладиган тигеллар ясашда, бундан ташқари, керамика, бўёқ саноатида фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

2 *плгрф.* Босмахонада босма дастгоҳ ёки босма машинанинг қоғозни босма қолипга сиқиш учун ишлатиладиган металл плитаси.

ТИЖОРАТ [*а.* تجارت – савдогарлик, олди-сотди иши] Савдо-сотиқ, савдо (савдогарлик) ишлари. *«Пиён бозор»нинг орқасидаги мачит Тошкентдаги татар савдогарлари, Қозон, Оренбург, Уфадаги савдо фирмалари.. вакиллари учрашадиган жой эди. Бир сўз билан айтганда, улар бу ерда ҳам ибодат, ҳам тижорат ишларини битириб олардилар.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Савдо аҳли уни Шарқнинг ҳамма мамлакатларини кезган, саёҳат ва тижоратда сочи оқарган машҳур савдогар деб танир эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тузилган махсус тижорат бўлими эса .. ..савдо вазирлиги билан дўконлар ўртасидаги воситачи.* Газетадан.

ТИЖОРАТХОНА *эск.* Улгуржи савдо ишлари амалга ошириладиган бино. *Савдо-тижорат ва қўл ҳунари саноати ётиб қолганлиги сабабли, вақфга оид сарой, дўкон ва тижоратхоналар ҳам даромад бериш қобилиятини йўқотган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ТИЖОРАТЧИ Тижорат билан шуғулланувчи шахс. *Биздаги бизнесменлар, тижоратчиларнинг фаолияти сизларга ёқадими?* Газетадан.

ТИЖОРИЙ [*а.* تجارى – савдога оид] Тижоратга оид, тегишли, алоқадор. *Шу билан бирга айланма маблағлар ҳамон тижорий режада кўзда тутилмаган тадбирларга сарфланмоқда.* Газетадан.

ТИЗ I *айн.* **тизза 1, 2.** *Олма хола юзини тирнаб, тизига урди.* Ғ. Ғулом, Соялар. *Кўмкўк ғўза тегарди тизга Ва ўпарди йигит барини.* Ю. Шомансур. *Нури уйида ёлғиз қоларкан, юраги қаттиқ урди.. тизларида куч қолмаган каби туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қулоқ солиб эшит энди, бобожон, Бир фарзандни олмай ўтдим тизима.* «Эрали ва Шерали». *Авазхоннинг чилтон берган рўмолин, Бул айёр холаси урлаб олади, Бошқа рўмол тизга ёзиб солади.* «Гулшанбоғ». *Авазхонни қўндириб ўнг тизига, Бу нозликди энди кулишин кўринг.* «Гулихиромон».

Тиз чўкмоқ 1) тиззаларини букиб, оёқлари устига ўтирмоқ; чўк тушмоқ; чўккаламоқ. *Ёрмат кириб, эшикни ёпди. Қизининг олдига тиз чўкиб, юзига тикилди, пешонасидан аста силади..* Ойбек, Танланган асарлар; 2) гавдани шундай тутган ҳолда илтижо-илтимос билан ёлвормоқ. *Лекин ундаги шуҳратпарастлик, тама олдида подшоҳларга тиз чўкишдан ҳам, ўзгалар манфаатини босиб-янчиб ўтишдан ҳам қайтмаслигини кўпчилик биларди.* Мирмуҳсин, Меъмор; 3) *кўчма* киши измига юрмоқ, иродасига бўйсунмоқ. *Ана шу Сурхон жилови ҳам жасоратли халқимиз измида, у қанчалик пишқирмасин, ўкирмасин, бари бир, инсон олдида тиз чўкади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТИЗ II *тақл. с.* Суюқлик куч билан отилиб чиқаётганда эшитиладиган товушга тақлидни билдиради. *Шланг тешигидан тиз этиб сув отилди.*

ТИЗГИН 1 От, эшак ва б. ҳайвонларни боғлаш ёки қантариб қўйиш учун хизмат қиладиган, учи сувлиққа ёки бошвоққа бириктириладиган узун тасма ёки чизимча. *Шербек эгардан сакраб тушди. Отнинг тизгинини панжарага боғлаб, чўчқахонага қараб юрди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *с. т.* Жилов. *Овчилар хийла илгарилаб кетди. Жувон тизгинни сал бўшатган эди.. той бирданига кўтарилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Раис отидан тушиб, тизгинни билагига солди-да, ариқдан юзини ювди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

3 *кўчма* Бошқариш воситаси, бошқарув. *Ёшларда ҳаё йўқ. Йўқ, айб онасида, тизгинини бўш қўйди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Ўрта Осиёдаги ирригация иншоотларининг тизгини унинг қўлида.* А. Абдуқодиров, Бўзсувдан Сирдарёгача. -*Табиатимни ланж қилган баъзи нуқсонларни ҳисобламасам, мен сафаримдан хурсандман, – суҳбат тизгинини ўз қўлига олди афанди.* «Муштум».

ТИЗГИНЛАМОҚ 1 От, эшак ва б. ҳайвонлар бошига тизгин боғламоқ, тизгин солмоқ; жиловламоқ. *«Кишноқи»ни фақат Андриян тизгинлай оларди.* Газетадан.

2 *кўчма* Ўз амрига, иродасига бўйсундирмоқ, итоат қилдирмоқ; жиловламоқ. -*Уч раисдан бирини танлаш мумкин, – деди Зуннунов, – катта хўжалик, одамлари ҳар хил, уларни тизгинлаб оладиган кексароқ, тажрибалироқ одам керак-да!* И. Раҳим, Ихлос. *Қоплонбекнинг ичига тушган ҳар қадаҳ коньяк сўз бўлиб қайнаса ҳам, у ўзини тизгинлаб турарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Асов дарёлар тизгинланиб, улардан нур ва қувват олинаётир.* Газетадан.

ТИЗГИНЛИ 1 Бошида тизгини бор, тизгин солинган, жиловланган.

2 *кўчма* Киши амрига, иродасига бўйсундирилган; жиловланган; жилови, ҳуқуқи бировнинг қўлида бўлган. *Йўлдошбой энди, кечадан бери тизгинли, тақдири бундан буён нима бўлишини билмайди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТИЗГИНСИЗ 1 Бошида тизгини йўқ, тизгинланмаган.

2 *кўчма* Киши амрига, иродасига бўйсундирилмаган; эркин. *Тизгинсиз от каби чопган ой дарё, Юрагингдан порлаб чиқар электр.* Туйғун. *Унга аён: кўтарилар сув Синганида қишнинг қиличи. Унга аён: тизгинсиз Аму — Ҳархашаси, нози, қилиғи.* С. Акбарий.

ТИЗЗА 1 *анат.* Оёқнинг букиладиган, болдир билан сон қўшиладиган жойи. *Ҳаёт.. келинчакларча, бир оёғини йиғиштириб, иккинчи оёғини тиззасидан букиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мана, маст ҳолда Тожибой тўппа-тўғри Гулсумнинг эшигига келди-да, занжири илинмаган эшикни тизза билан бир итариб, тўғри ичкарига кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тизза чўкмоқ *кам қўлл. айн.* **тиз чўкмоқ 1** *қ.* **тиз** I. *Тизза чўкиб ўтирмоқ.* ▬ *Тизза чўкиб ташриф этдилар Ўйинга шўх раққоса қизлар.* Э. Раҳим.

2 Иштон, шим ва ш. к. кийимларнинг тизни қоплаб турадиган, тиззага тўғри келадиган қисми. *Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулар.* Мақол. ▬ *Тиззалари титилиб кетган эски тиринка шимининг почаларидан сув сирқиб оқар.. чит кўйлаги шалаббо бўлиб, бадан-баданларига ёпишиб қолган эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ҳа, мулла Ғулом, тиззаларингиз тупроқ, намозни ерда ўқидингизми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Оёқнинг тиздан думбагача бўлган қисми (ўтирган ҳолатда). *Йўлчи ўтиргач, Шокир отанинг етим набираларини тиззасига олиб, ўпиб, узумдан икки бошини уларнинг қўлига тутқазди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Зулфиқор устодга яқин ўтириб, қўйнидан кенг ва қалингина дафтарни олиб, тиззасига қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Саодатхоннинг игна ушлаган қўллари беихтиёр тиззаси устига тушди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ТИЗЗАЛАМОҚ 1 Чўкка тушмоқ, чўккаламоқ. *Тиззалаб юрмоқ.* ▬ *Шофёр ҳар бири қўйдек келадиган иккита чўл қовунини инқиллаб кўтариб келди-да, тиззалаб, думалатиб юборди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Ота супадаги кўрпачага тиззалаб ўтириб, сабзи тўғрарди.* А. Эшонов, Ота. -*Сув! Сув олиб кел, ўғлим! — деб қичқирди эркак, ёнида тиззаланиб онасига мўлтираб турган катта ўғлига.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тизза билан босиб жойлаштирмоқ, ниқталамоқ, босмоқ. *Пахтани қанорга тиззалаб жойламоқ. Остига олиб тиззаламоқ.*

ТИЗИЛЛАМОҚ Давомли тарзда «тиз» этган товуш чиқармоқ (*қ.* **тиз** II). *Трубанинг тешигидан сув тизиллаб оқмоқда.* ▬ *Оддий қўл насосидан тизиллаб отилаётган сувни ўт ямлаб ютиб юборяпти.* А. Мухтор, Чинор. -*Бўлди, дедим, бўлди, бўлмаса, тилингни суғуриб оламан, — навкарнинг қамчиси кўкда тизиллаб, ҳавони кесиб ўтди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТИЗИЛМОҚ 1 Тизмоқ фл. мажҳ. н. *Марварид доналари ипга тизилди. Токчаларга тизилган олма, анорлар.* ▬ *Энди отишмалар яққол эшитилибгина қолмай, ёнверимизга ўқ ёғилар, из қолдирувчи ўқлар маржондек тизилиб учарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Саҳна олдига тизилган скамейкаларни турли ташкилот ва мактаблардан келган вакиллар.. ва бошқа меҳмонлар тўлдирган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тизмоқ 2 фл. ўзл. н. *Солдатлар сафга тизилди. Қалдирғочлар электр симига тизилиб ўтиришибди.* ▬ *Майин эсаётган шамол унинг [Саодатнинг] бетидан марварид доналари сингари тизилиб ётган терларни ялаб кетди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Йўлда, тераксзорда машиналар, мотоцикллар, отлар, велосипедлар тизилибди.* Ҳ. Ғулом Сенга интиламан.

3 *кўчма* Бирин-кетин гавдаланмоқ, кўринмоқ, қаторлашиб ўтмоқ. *Камбағал эри билан кўрган кунлар, беш бола билан бева қолиб тортган азоб-уқубатлари кўз ўнгидан бир-бир тизилиб ўтди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

Кўзда(н) ёши тизилди Кўздан тўхтовсиз ёш оқа бошлади, кўздан дув-дув ёш оқди. *Ёлғизлигим сезилди, Кўзда ёшим тизилди, Юрак-бағрим эзилди, Келмайсанми, Хадичам.* «Қўшиқлар».

4 *шв.* Томоқ ёки ичакдан тиқилиб ўтмоқ, тўхтаб қолгандай туюлмоқ. *Халиги овқат кўкрагимда тизилиб турибди.* ▬ *Сенсиз ўтмас, ҳатто сув ҳам тизилар! Кулиб гоҳо, назар солмасанг бўлмас!* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

ТИЗИМ 1 Ип, сим ва ш.к. га терилган нарса; шода. *Бир тизим марварид. Бир тизим маржон. Бир тизим помидор қоқи. Бир тизим қалампир.* ▬ *Биз ишни чўзмаслик учун ҳар қувурни алоҳида эмас, икки-учтасини бир тизим қилиб бураб олар эдик.* П. Қодиров. Эрк.

2 Бир соҳа, муассаса ва ш.к. га оид йўналиш, иш-фаолият кабилар мажмуи. *Банк тизими. Халқ таълими тизими. Хавфсизлик тизими.* ▬ *Меҳнат вазирлиги тизимида ишлаётганингизга ҳам анча бўлибди. Тизим ва унинг жойлардаги бўлимларида хотин-қизларнинг фаолияти қандай? -Тизими-*

мизда ишлаётган хотин-қизларнинг олиб бораётган ишлари яхши. «Меҳнат». *Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий муносабатларида муҳим ўрин эгаллаган ташқи савдо тизимидаги туб ўзгаришлар суст амалга оширилмоқда.* «Фан ва турмуш».

3 Ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган нарса, ҳодисалар бирлиги, мажмуи. *Барча бўғиндаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар тизимини барпо этиш лозим.* Газетадан.

4 Ўзаро боғлиқ қисмлардан ташкил топган тузилма, ижтимоий, сиёсий ва б. жиҳатдан тузилиш шакли. *Улар, бизга маълум сабабларга кўра, «Марказ» деб аталувчи эски тизимдан ниҳоятда безиллаб қолишган.* Газетадан. *Жумҳуриятларда бугун мутлақо бир-бирига ўхшамайдиган турли хил ижтимоий-сиёсий тизимлар вужудга келмоқда.* Газетадан.

5 Бирор иш-фаолиятни ташкил этиш, амалга оширишнинг шакл ва тартиб-қоидалари мажмуи. *Баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилди.* «Маърифат». *..меҳнат унумдорлигини таъминловчи омилларнинг мунтазам тизимини яратиш тарафдоримиз.* Газетадан.

ТИЗИМГУЛ Оқ, баъзан қизил ёки оч бинафша гулли кўп йиллик доривор ўсимлик.

ТИЗИМЧА *кам қўлл. айн.* **чизимча.** *Оппоққина юзи тухумдай йилтираган.. кўйлаги устидан ипак тизимча билан белини боғлаган киши гапни кесди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТИЗМА 1 Бирин-кетин ёки ёнма-ён жойлашган; қатор. *Очил Зарафшон тизма тоғи этагида, чорвадор ва боғдор қишлоқда ўсган.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Уйлар икки қаватли бўлиб, трассадан анча юқори, тизма қум адирлар устида саф тортганлар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Характери, табиати, муносабати ва ш.к. га кўра бир-бирига боғлиқ бўлган, кетма-кет ёки ёнма-ён содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар тизилмаси мажмуи; тизим. *Асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг характерини, уларнинг ўзаро муносабатларини очиб берадиган, бир-бирига боғланган воқеалар тизмаси асарнинг сюжети дейилади.* «Адабиёт хрестоматияси». *Биз Жиззах насос станциялари тизмаси қурилаётган бошқа участкаларга йўл олдик.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТИЗМОҚ 1 Ип, сим ва ш. к. нарсаларга ўтказиб шодаламоқ; термоқ. *Марварид доналарини ипга тизмоқ. Маржон тизмоқ. Гўшт бурдаларини сихга тизмоқ.* ▬ *..катта-катта мунчоқдан тизиб, тасбеҳ қилиб берибди..* «Олтин олма».

2 *с. т.* Кимса ёки нарсаларни ёнма-ён ёки бирин-кетин жойламоқ, термоқ, саф ёки қатор қилмоқ; сафламоқ, қаторламоқ. *Солдатларни сафга тизмоқ. Токчаларга анор, олма, беҳилар қатор-қатор тизиб ташланган.* ▬ *Трактор паркидаги барча агрегат ва механизмлар сифатли созланиб, старт чизиғига тизиб қўйилган.* Газетадан.

3 *кўчма* Бири кетидан бошқасини, бирин-кетин, узлуксиз келтирмоқ, қаторлаштирмоқ, қалаштириб ташламоқ. *Маърузачи қуруқ рақамларни тизди.* ▬ *Қулай пайт келса,* [*Элмурод*] *илҳоми қайнаб, қизнинг кўзларига тикилганича, гапларни тизиб ташлар.. эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меҳнатнинг таърифини ёзган китоблар, Марддлар номин ҳарфма-ҳарф тизган китоблар.* М. Шайхзода.

ТИЗҒИМОҚ Сизиб чиқмоқ (асосан қон ҳақида). *У.. ярадор, бемадор болаларга ёрдам бергани, уларнинг қон тизғиб турган яраларини боғлагани югурди.* М. Исмоилий, Барҳаёт қиз.

ТИЙИН I Бир сўмнинг юздан бирига тенг пул ҳамда шундай қийматга эга бўлган майда чақа. *Беш тийин. Ўн тийин.* ▬ *Даромад тақсимотида ҳар бир меҳнат кунига яқин [тахминан] бир килодан буғдой, бир сўму қирқ етти тийиндан пул тушди.* А. Қаҳҳор, Бек.

ТИЙИН II *айн.* **олмахон.**

ТИЙИНЛИ Тийин қийматига эга бўлган. *3 тийинли чақа. 20 тийинли танга.* ▬ *Жўра.. ҳужранинг беш тийинли чақадай қулфини кўрсатди-да, йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИЙИНЛИК Қиймати тийин турадиган, тийинга келадиган. *50 тийинлик чой.*

ТИЙИҚ Ўзини тийиб, босиб, тутиб олган; қуюлган, босиқ. *Тийиқ одам.*

Нафси тийиқ Нафсга берилмаган, нафси ўлик. *Нафси тийиқ одам.* ▬ *Бошқа инсофлироқ, нафси тийиқроқ бирор шофёр*

келиб қолар деган умидда.. кута бошлади. Газетадан.

ТИЙИҚСИЗ Тийилмаган; бошқариб бўлмайдиган, асов. *Тийиқсиз бола.* ▬ *Биз тийиқсиз ўзбошимчалик билан рўбарў келиб турибмиз.* Газетадан. *Шунда у жиянига тийиқсиз куч ато этган худодан хафа бўлиб кетди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ТИЙМОҚ 1 Бирор иш-ҳаракатдан тўхтатмоқ, ундан ўзини ёки кимсани қайтармоқ; босмоқ, эрк бермаслик. *Кўз ёшини тиймоқ. Кўзинг оғриса, қўлингни тий; ичинг оғриса, нафсингни тий.* Мақол. ▬ *У беихтиёр енгларини шимараркан, кичкинагина гавдасида тийиб бўлмас куч пайдо бўлгандек эди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Кутиб, куткилаб, тергаб йўлга солмоқ; ножўя иш, йўл ва ш.к. дан қайтармоқ: тергамоқ. *Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яхши отадан ёмон бола туғилса ҳам бўлар экан. Отаси қандайин нозанин жувон тўғри келса ҳам, кўз қирини ташламас эди. Бу бебош бўлиб кетди, тиядиган кишиси бўлмади.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

Оғзини (*ёки* **тилини) тиймоқ** 1) бирор нарса дейишдан, гапдан ўзини тутмоқ, гапиришдан тўхтамоқ, оғзига эрк бермаслик. *Ҳой бола, тилингни тий!* ▬ *Комила ҳам ҳазил билан жавобга ҳозирланди-ю, яна тилини тийди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Йигитча.. чолга дашном бериб борарди, оғзини тиядиганга ўхшамайди.* «Муштум»; 2) гапиртирмай қўймоқ, гапиришдан тўхтатмоқ, гапирмасликка мажбур қилмоқ. [*Элмурод:*] *Кўп алам ўтганидан тилим шунақа ёмон бўлиб қолган. Хўжайинлар уриб-сўксалар ҳам, тилимни тия олмадим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оғзини тийиб қўёлмайсизларми?!* И. Раҳим, Ихлос. **Ўзини тиймоқ** Бирор ҳаракат-ҳолатдан ўзини тутмоқ, сақламоқ; тийилмоқ. *Шожалил яна «Одам эмасман, юз нима қилади менда?» демоқчи бўлди-ю, ўзини тийди.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *Қарсак чалишдан ўзини тийиб, одамларга боқиб жилмаяр эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Қадамини тиймоқ** Бирор жойдан қадамини узмоқ, бориш-келишни тўхтатмоқ. [*Олахўжа*] *Гапни гинахонликдан бошлади: -Жуда қадамингни тийиб қўйдинг. Келиб, тоғангдан, ҳолинг қалай, деб суриштирай ҳам демайсан-а.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИЙНАТ [*а.* طينت — хулқ-атвор, табиат] Кимсага хос характер, феъл-атвор.

ТИЙРА [*ф.* تيره — қоронғи, қора; ғамғуссали] *эск. кт.* Қора; қоронғи. *Кўзларим йиғлади зулфингни кўриб, Ки ёғин боисидур тийра булут.* Нодира. *То юзинг ойи намоён бўлди ҳусн афлокида, Рашк ўтидин тийра бўлди рўзгори офтоб.* Нодира. *Кўзимни тийра деб ёр, этмас юзига кўзгу, Киприкларимни тиғ деб, сочига шона қилмас.* Э. Воҳидов.

ТИЙРАК 1 Бир ерда тинч турмайдиган, ғайрати ичига сиғмайдиган; серҳаракат (асосан ёшларга нисбатан қўлланади). *Тийрак бир бола армиядан кеча қайтган мезбоннинг ёнига ўтириб, медални ҳавас билан томоша қила бошлади.* Н. Сафаров, Тошга битилган хат.

2 Бардам, тетик, бақувват. *Саксонлардан ўтган, лекин тийрак чол.*

Тийрак тортмоқ Тетикланмоқ, жонланмоқ, куч-қувват олмоқ. *Бахмалдек юмшоқ, чинни овозидек жарангдор бу кулгидан алланечук жонланиб, тийрак тортади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

3 Зийрак, ҳушёр. *Отаси ўйланиб қолди: ҳар нарсани билишга қизиқувчан, тийрак қизимга нима десам экан*? Й. Муқимов, Ипак толаси. *Сочлари дув оқарган, аммо кўз қарашлари тийрак доктор опа ҳар куни Шерзоддан қандоқ овқатланганини.. сўрайди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ТИЙРАКЛАШМОҚ Тийрак ҳолатли бўлмоқ, тийрак бўлмоқ. *Рихсининг кўзлари бирдан тийраклашди. Орқасига бир қараб қўйиб, Адолатнинг ёнига келди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ТИЙРАН *кам қўлл.* Чуқур, теран. *Ихчамлик, лўндалик, тийран фикр, мантиқнинг кучлилиги.. шоир хотирасининг энг яхши фазилатларидандир.* «ЎТА». *Узун бўйли, барваста оқсоқолнинг ақлли кўзларида чуқур ўй, тийран мулоҳаза.* Ҳ. Ғулом, Бир кунимиз.

ТИЙҒОНМОҚ *шв.* Тойғанмоқ, сирғанмоқ, тоймоқ. *Оёғи тийғониб кетди. Тийғониб йиқилди.* ▬ [*Маҳкам ака*] *Толлар экилган ариқ лабидан бора туриб тийғониб кетди, гурсиллаб йиқилди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТИЙҒОНОҚ *шв.* Сирғанчиқ, тойғанчиқ. *Қулим тердан тийғонок, Ўроғим ўрар чақ-*

қон. Кўкатга солсам ўроқ, Ғарамлар ясар чунон. Сайёр.

ТИЙҒОНЧИҚ *айн.* **тийғоноқ.** *Тийғончиқ йўл.* ▬ *Мунисхон.. тийғончиқ ердан ўтишга ёрдам қўлини чўзиб турган Саидийга қўл бермоқчи эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Эҳтирос туғён урганда, ақл чироғи хиралашади, Кумуш. Бу ғоят тийғончиқ йўл. Ўйлаб, қараб қадам босиш керак.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ТИК I **1** Юқорига тикка йўналган ёки пастга тикка тушган. *Тик жарлик. Тик қирғоқ.* ▬ *Фақат, соҳил тик бўлгани учун, араваларни олиб чиқиш бениҳоят қийин эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бобоқул отанинг назари тик қоя лабида турган оқ улоққа тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ердаги маълум нуқтага нисбатан вертикал ҳолатдаги тепа (юқори) қисм; тепада шундай ҳолатли. *Мингбоши шошиб, осмонга қаради. Қуёш тик..* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аммо ой тик кўтарилганликдан зиёратхона ичи қоп-қоронғи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қуёш тик келганда, Чўли бобо ҳаммани овқатга чақирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Оёқлари ёки асоси ерга тиралган, вертикал ҳолатдаги; тикка. *Бўш қоп тик турмас.* Мақол. ▬ *Қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшган қадди расо тераклар тик қоматларини мағрур кўрсатиб турардилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Буларнинг орқасида тик турган одамлар бир-бирларига занжир билан боғлаб қўйилган каби зич ва тиғиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бўйи (нисбатан) баланд; бўйчан. *Аввал ҳалиги тикроқ қора бола, кейин бошқалари ғойиб бўлди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мен сендайлигимда, йўқ, сендан тикроқ бўлсам керак, мактабга қатнардим.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

5 У ёқ-бу ёққа бурилмаган (оғмаган), тўғри йўналишли; тўғри. *Қишлоқ марказига тик йўл тушди.* ▬ *Катта тик ариқ. Икки лаби тоғ-тоғ тупроқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Терак тагидан шолипоя бўйлаб йўл бор. Чирчиққа тик чиқади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ойниса курт-курт беда чайнаётган отни.. бир лаҳза кузатиб турди-да, таваккал қилиб, охурга тик борди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

6 Горизонтал юзага, чизиққа перпендикуляр ҳолатли, юқорига тикка кўтарилган ёки пастга тикка тушган; вертикал. **Тик чизиқ** 1) вертикал чизиқ; 2) перпендикуляр чизиқ.

7 *кўчма* (айрим сўзлар билан қўллаганда) Тап тортмасдан, қўрқмасдан, дадил, тўппа-тўғри, рўйирост. *Бетига тик айтмоқ.* ▬ *Бир хил итлар борки, бўри билан тик олишади.* Ойбек, Болалик. *Унинг* [*Адолатнинг*] *бир вақтлар ҳаёдан кишига дадил боқолмаган чиройли кўзларига ғазаб ва алам тўлган. Энди у ҳамма нарсага тик, дадил боқади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Мастуранинг ўлимнинг юзига бунчалик тик қарагани.. учун операциянинг натижасини кутмади.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

Тепа сочи тик бўлмоқ *айн.* **тепа сочи тикка бўлмоқ** *қ.* **тикка**.. *Десам унга бўлинг оғир, Тепа сочи бўлди тик.* «Муштум». **Тик қилмоқ** *қ.* **тикламоқ 2**. *Ғайрат қилиб кўпчилик, Гаражни қилдилар тик.* Қ. Муҳаммадий.

ТИК II [*голл.* tijk, *ингл.* tick] Каноп ёки пахта толасидан тўқилган қалин, пишиқ газмол, мато (кўпинча матрац, дастурхон ва ш.к. учун ишлатилади). *Ойниса йўл-йўл тик кўрпачада.. ўтираркан, ўғли Йўлдошбекдан келган хатни қайта ўқиб чиқди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Тикдан бир хилда тикилган кийим кийган, мадори кетган ярадорлар ҳовлига чиқишди..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТИК III [*фр.* tic – учиш, пирпираш] *тиб.* Нерв системасининг касалланиши оқибатида айрим ёки бир гуруҳ мускулларнинг (одатда юз, бўйин, қўл ва б. мускулларнинг) ихтиёрсиз қисқариши.

ТИКАН 1 Ўсимликларнинг, шунингдек, баъзи ҳайвонларнинг ингичка учли, нинасимон аъзоси. *Қизил гул тикани. Янтоқ тикани. Типратикан тикани. Тикан бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб кўкракка санчил.* Мақол. ▬ *Воҳид жон-жаҳди билан сиқимлаган наъматак тиканлари кафтига эмас, юрагига санчилди гўё!* «Саодат».

2 Шундай нарсали (тиканли) ўт-ўсимликлар. *Экувсиз қолган ерларда тиканлар ўсиб ётибди.*

3 Нарсаларнинг ўткир тикансимон қисми. *Тўсиқ симнинг тикани.*

Кўзга тикан Кишиларга ёмон кўринган кимса ёки нарса ҳақида. *Халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Текин еган – кўзга тикан».* М. Исмоилий, Бизнинг роман. **Тикан бўлмоқ** Ўртада тўсиқ, ғов бўлмоқ. *Унинг* [*Зайнабнинг*] *бу ҳоли эрса менинг учун яхши эмас,*

у яна кўп вақт бизнинг орамизда тикан бўлмоқчи. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тикан устида ўтирмоқ** *айн.* **игна устида ўтирмоқ** *қ.* **игна.** *-Сипориш қилсам-у, тикан устида типирчилаб ўтирсам, бари бир, гап қовушмайди. Ундан кўра дангал гап яхши: мен далага чиқмоқчиман, — деди Парпиев.* Й. Шамшаров, Енгиш. **Тиканга ағанамоқ (***ёки* **думаламоқ)** Тинчлигини йўқотмоқ, нотинч бўлмоқ, руҳий азоб тортмоқ, қийналмоқ. *Отабек қизга уйланиб қўйгач, бизнинг Ҳомид тиканга ағанаб, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Одилжон шу кеча тикан устида думалаб чиқди.* И. Раҳим, Қўшнилар. **Қора тикан** Кишиларга ёмон кўринган салбий шахс ҳақида. *-Йўқ, фақат сиз яхшисиз, — деди Зулайҳо истеҳзо қилиб. - Бошқаларнинг ҳаммаси қора тикан, ҳаммаси сизни кўролмайди!* П. Қодиров, Қадрим. **Қора тикан туз** *айн.* **тиканак туз** *қ.* **тиканак.**

ТИКАНАК 1 Тиканли ўсимликларнинг умумий номи. *Онахон.. тиканак босиб кетган гўристон устидан тўғри темир йўл устахонаси томонга йўл олди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Чўққининг ўрта ерида, «Тошбулоқ» яқинида тиканак ва арча чўкиртакларидан гулхан ёқилгач, болаларнинг қувончи яна қанотланди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *айн.* **тикан.** *-Оёқларимни ари талаб кетди! — деб типирчилаб ўтириб олди. Болалар эгилишиб қарашса, ари деган нарса кўринмасди. Фақат пайпоғининг ҳамма ёғига тиканаклар ёпишиб олганди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. [*Абдусамад*] *Ўгай отанинг кўзига тиканак бўлмаслик учун бир бурчакка тиқилиб ухлаб қолар эди.* Ойбек, Навоий.

Тиканак туз Новвотсимон кристалланган йирик туз. *Бало-қазони ҳозир даф қиламиз. Битта товоққа кул солиб, тиканак туз билан бир кафт исириқнинг донидан олиб келинг.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Чақир тиканак** Пояси ётиб ўсадиган ёввойи ўт ва унинг юлдузча шаклидаги тикани (тиканларидан бири юқорига қараб ўсган бўлади). *Оёқларимга чақир тиканаклар кириб, ҳамма нарса йўлимни тўсарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ТИКАНАКЛИ Тиканаги, тикани бўлган; тиканли. *Тиканакли сим.*

ТИКАНЗОР Тиканли ўсимликлар ўсиб ётадиган, тиканли ўсимликлар билан қопланган ер, майдон. *Тиканзор чўл.* ▬ *Сувсизликдан қақшаб, худди скелетларга ўхшаб қолган янтоқ ва тиканзорлар майдони.* Туйғун, Сўнгги саёҳат.

ТИКАНЛИ 1 Тикани бор, тиканлар билан қопланган. *Тиканли дарахт. Тиканли ўсимлик.* ▬ *Туялар олдига янтоқ ташланган ва улар игнадай тиканли бу хашакни, қари одамлар пашмак ҳолва егандай, осонлик билан ютмоқда.* С. Айний, Қуллар. *Тиканли симлар билан ўралган бу ям-яшил ўрмон этаги, бу оппоқ палаталарда кечаю кундуз азоб, ўлим.* А. Мухтор, Чинор.

2 *кўчма* Кишига қаттиқ ботадиган, озор берадиган; аччиқ, ёқимсиз (гап-сўз, муомала ҳақида). *Ҳусайн Бойқаро отда туриб, асирига бир неча аччиқ, тиканли сўзлар отди-да, қўли билан навкарларга «олиб жўнанглар», деган ишорат қилди.* Ойбек, Навоий. *Рашиднинг гапи, гарчанд холис ва муҳокамали бўлса ҳам, нима учундир Элмуродга тиканли туюлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТИКЕР [*ингл.* ticker] Қимматбаҳо қоғозларнинг охирги, қатъий белгиланган баҳоси (курси) ни кўрсатиб, маълум қилиб турувчи биржа аппарати.

ТИКИЛЛАМОҚ Бир маромда узуқ (паст) «тик, тик» этган овоз бермоқ (чиқармоқ). *Девор соат гўё Акрамнинг қолган умри ҳисобини қилаётгандай.. тўхтовсиз, эринмай тикиллар эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ТИКИЛМОҚ I **Тикмоқ** фл. мажҳ. н. *Бир кунда юзта кўйлак тикилди. Ўтлоққа ўтовлар тикилди. Майдонга баланд дор тикилди. Эзгу иш учун бош ҳам, жон ҳам тикилди.* ▬ *У* [*Фотима*] *енгларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кечқурун биёбонда Тикилди юз палатка.. Куй янградй гармонда, Файз бағишлаб ҳаётга*! Ё. Мирзо.

ТИКИЛМОҚ II **1** Кўз узмасдан қарамоқ, узоқ қарамоқ; диққат-эътибор билан, разм солиб боқмоқ. *Кириб кетди синфга эркам, Туриб қолдим тикилиб кўп вақт..* Ё. Мирзо. *Ҳиротдан келган гўзал қизга ҳамма маҳлиё бўлиб тикиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Абдуғафур ота ҳамсуҳбатини биринчи марта*

кўраётгандек, унга қаттиқ тикилди. «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма* Қасд қилмоқ, қасдига тушмоқ. [*Шерали*] *Тикилган душмандан олади ўчни.* «Эрали ва Шерали». *Сенинг бошингга тикилган бу балоларни ўзининг ширин жонидан кечиб даф қилган Отабек сени сира ҳам унутмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Оғзига тикилмоқ Гап кутмоқ (суҳбатдошидан, қаршисидаги кимсадан). *Биз бир зумда жимиб, Ҳасан аканинг оғзиларига тикилдик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ТИКИШ 1 Тикмоқ фл. ҳар. н. [*Унсин*] *Маҳси тикишини, йўқчилик, муҳтожлик ичида яшашини Гулнордан яширган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Китоб ўқишдан зериккан чоқларимда бичиш, тикиш билан машғул бўлиб, бу ҳунарни ҳам етарли даражада ўзлаштирдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Тикувчилик, бичиш-тикиш ишлари, чок; тикувчилик санъати. *Зумраднинг тикиши гўзал, ипакни турлаши ҳам моҳирона.* Ойбек, Улуғ йул.

Тикиш халтаси Тикувчи ёки каштачининг ўз иши учун керакли буюмлар (ип, ипак, латта, ангишвона, игна ва ш.к.) солиб қўядиган халтаси; ишпеч. *Гулнор кўча эшигидан ҳовлисига кираркан.. айвонга паранжисини отди, тикиш халтасини танчага ташлаб, устунга суяниброқ, бир муддат паришон туриб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Каштачилик ва умуман дўзандалик йўли билан тайёрланадиган нарса (маҳси, дўппи ва ш.к.). *Энди сотишга ҳеч нарсам қолмаган эди. Яна тикиш тикдим. Бу ўртада дадам қазо қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тирикчилик тоши бениҳоят оғир бўлар экан. Бизларни зориқтирмаслик учун аям тикиш тика бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Хом теридан тилишлаб, тилим-тилим қилиб ясалган майин қайиш ип. *-Мана буларни ямаб қўй, — деб жаҳл билан олдимга узилган-ямалган бир тўда қайиш, жазлиқ, юган — от абзалларини, бир бигиз ва бир нечта тикиш билан улоқтирди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ТИККА 1 Юқорига ёки пастга тик йўналган; тик, вертикал. *Тикка қоя. Тикка ўсган дарахт. Тутун тикка кўтарилмоқда. Найза ерга тикка санчилди.* ▬ *Ариқ қазувчилар эртасига келиб қарасалар, тикка жар ўпирилиб тушиб, ариқлари кўмилиб, теп-текис бўлиб қолибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қайнаб чиқар нефть булоқлари, Фонтан бўлиб отилар тикка.* Ё. Мирзо. *Қўрбоши кулиб юборди. Унинг амри билан полвон яна илгариги жойига келиб, чатаноғини кериб, тикка турди.* А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши.

2 Ердаги маълум нуқтага нисбатан вертикал йўналишдаги тепа жой. *Кулранг осмоннинг олис-олис бурчларида юлдузлар милтиллайди. Ҳов ана, тиккада ёрқин бир юлдуз — тонг юлдузи порламоқда.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *У* [*Раҳим Саидов*] *пастга тушди. Кун тиккага келган, кўча ёнарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

Тепа сочи тикка бўлмоқ *қ.* **тепа**. *Туробжоннинг тепа сочи тикка бўлди: -Ҳай, сенинг димоғ-фироғинг кимга, хўш, нима дейсан?* А. Қаҳҳор, Анор.

3 Тўппа-тўғри йўналган; у ёқ-бу ёққа бурилмайдиган, оғмайдиган; адил, тўғри. *Узун ғиштин йўлка дарвозахонадан бошланиб, чорбоғни тикка кесиб ўтади.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри. *Мастон иланг-биланг йўлни қолдириб, мўлжалланган тепаликка қараб тикка йўл солди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

4 *кўчма* Тап тортмасдан, қўрқмасдан; дадил, тик. *Бетига тикка айтмоқ. Тикка олишмоқ.* ▬ *Ёвга қарши тикка босиб борганман.* Т. Тўла. *Нега сен менга тикка гапирадиган бўлиб қолдинг*? Мирмуҳсин, Умид. *Бу гапни ғар ҳам кўтара олмас, тикка юлишар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТИККАЙМОҚ Тик ҳолатли бўлмоқ, тикка бўлмоқ. *Тепа сочи тиккайди. Қулоқлари тиккайди.* ▬ *Илон изи каби буралиб оқаётган Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги кенг қирда тиккайган дарахт кўринмайди.* Ойдин, Фарҳодлар. *Меҳриой дугонасининг елкасига суяниб турганидан, сочидаги лентасининг учи тиккайиб қолган эди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

Сочи тиккаймоқ *айн.* **тепа сочи тикка бўлмоқ** *қ.* **тепа**. *Комила раис ҳақида бир нима деб ачитиб олди шекилли, Шамсиевнинг сочи тиккайиб, зарда билан трубкани қўйиб қўйди.* «Муштум».

ТИККАЛАМОҚ У ёқ-бу ёққа бурилмасдан, тикка, тўппа-тўғри йўналмоқ. *Шолипоядан тиккалаб бормоқ. Тиккалаб кўтарилмоқ.*

ТИККАМА-ТИККА *айн.* **тикка 4**. [*Махсум*] *Чол билан тиккама-тикка олишишдан кўра, ялинишни афзал кўрди.* А. Муқимов, Ҳашарот.

ТИККАСИГА *рвш.* **1** У ёқ-бу ёққа бурилмасдан, тиккалаб, тикка; тўппа-тўғри. *Чўққига тиккасига чиқмоқ. Дала ўртасидан тиккасига йўл солмоқ.*

2 *айн.* **тикка 3, 4**. *Зайнаб яна кўзида ёши, Ва туташиб ичи ва таши, Ғазаб билан ўрнидан турди, Тиккасига ичкари юрди.* Ҳ. Олимжон.

ТИКЛАБ *рвш.* Тиккасига, тиккалаб, тикка. *Душманга қарши баланд қир устига тиклаб кўтарилган танкетка биринчи дафъа ҳужумга бошлади.* Ҳ. Сайидаҳмад, Мастура.

ТИКЛАМОҚ 1 Тик, вертикал ҳолатга келтирмоқ, тикка қилмоқ, тикка қилиб қўймоқ. *Йиқилган ғўза тупларини тикламоқ.* ▬ *Жўрапошшо пастга тушиб, шотини тиклаб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Султон бўзчи камон сингари эгилган қаддини.. тиклаб, базўр ўрнидан турди.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

2 Қурмоқ, бино қилмоқ, бунёд этмоқ. *Ўтган йилнинг баҳорида мана шу жойни тиклаб олдим.* М. Абдулла, Кутилмаган меҳмон. *Қурилиш майдонида иш жадал.. Биров палатка тиклаяпти, иккинчи бир киши чизмаларга белгилар қўйяпти.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Биргалашиб чўлда биринчи оқ уйни тиклаганмиз.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Йўқ бўлган, ишдан чиққан, хароб бўлган ва ш.к. нарсаларни бор қилмоқ, асл ҳолига келтирмоқ. *Архитектура ёдгорликларини тикламоқ. Хўжаликни тикламоқ.* ▬ *Водокачкани тиклагани ғишт, қум ташиш керак бўлганида, отининг туёғига мих қоқиб, оқсатиб қўйган ким эди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Хўжалик раҳбарларининг ишига — меҳнат аҳлининг саломатлигини тиклаш ҳақида қилаётган ғамхўрликларига қараб баҳо берилмоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Цех қолоқликдан чиқиб, аввалги шуҳратини яна тиклади.* Газетадан. *Боис Эргашев.. радиостанцияни қайиққа ортиб, узилиб қолган алоқани тиклади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Унутилган, эсдан чиқиб кетган нарсаларни юзага келтирмоқ; бекор қилинган, рад этилган нарсаларни қайта жорий қилмоқ, қайтариб бермоқ. *Алоқа-муносабатларни тикламоқ. Ҳуқуқини тикламоқ. Унвонини тикламоқ.* ▬ *Умид эслаб-эслаб, кейинчалик она алласининг деярли ҳаммасини тиклаб олди.* Мирмуҳсин, Умид.

5 Қайта ўз ўрнига, ишига қўймоқ. *Директор ноҳақ ишдан бўшатилганларни яна тиклади.*

6 *шв.* Бошини кўтарган ҳолда тик қарамоқ. *Терсак дамини ичига олиб, тишини тишига қўйиб, кипригини қоқмай тиклаб қолди.* «Равшан». *Ҳеч нимаман иши бўлмай, Ҳамма анграйиб тиклаб қолган.* «Муродхон».

ТИКЛАНМОҚ 1 Тикламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Нарвон тикланди. Алоқа тикланди. Унинг ҳуқуқи тикланди. У ўз вазифасиеа тикланади.* ▬ *Унинг* [*иморатнинг*] *ўпирилиб тушган жойлари синиқ пишиқ ғишт, гувалак билан тикланган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У* [*Фазлиддин*] *биринчи бор учрашгани беихтиёр Шербекнинг хотирасида тикланди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тўсатдан.. дам ғужанак бўлиб, дам тикланиб, дамини чиқармай азоб тортаётган новча қотма бир киши* [*Меҳринингг*] *кўз ўнгига келди.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 Уришиш, жанжаллашиш учун ростланмоқ, қўзғалмоқ. *Отасига қариш тикланмоқ.* ▬ *Тинчлик солдати бўлиб Отланиб тикланасан.* Қ. Муҳаммадий.

ТИКЛАШМОҚ 1 Тикламоқ фл. бирг. н. *Колхозчилар ётиб қолган ғўза тупларини тиклашмоқда. Бузилган уйни тиклашмоқ.*

2 *с. т.* Рўбарў келиб уришмоқ, жанжаллашмоқ. *Улар бир-бирлари билан тиклашиб қолдилар.* ▬ *Нима гап ўзи, қоришмага нима бўлибди? — деди Ҳикмат ҳам Усмоновга тиклашиб.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ТИКМА I Ип билан тикилган. *Тикма этик.*

ТИКМА II *қ.* х. Уруғликни сепиб эмас, балки уяларга кўмиб экиладиган ва шу йўл билан экилган. *Тикма экин.*

ТИКМОҚ 1 Игна-ип билан чоклаб уламоқ, бириктирмоқ; шу йўл билан бирор нарса тайёрламоқ. *Ярани тикмоқ. Қопнинг оғзини тикмоқ: Қалпоқ тикмоқ. Этик тикмоқ.* ▬ *Даҳлизда Ҳасанали узилган от асбобларини улаб тикар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дилбар ҳам сизга атаб бир чиройли рўмолча тикди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Фотима опа ҳар хил қийқинди-*

лардан олиб, қўғирчоққа кўйлакча тикиб берди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Ўрнатмоқ, қадамоқ; қурмоқ. *Байроқ тикмоқ.* ▬ *Уларда иморат-бино йўқ эди, ҳаммаси ўтов тикиб ўтиришар эди.* «Бўтакўз». *..майсалар устига чодир тика бошлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Экмоқ, қадамоқ. *Ерга уруғ тикмоқ. Чигирткалар экин ер, экмай-тикмай, текин ер.* Мақол. ▬ *Кун исиши билан.. ариқлар қуриган. Мўл ҳосил ундирмоқ ниятида экин тиккан деҳқон бор сувни, олтин тортгандай, мисқоллаб сарфлайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

4 Болалар ўйинида: ганакни маълум тартибда териб қўймоқ, жойламоқ. *Иккитадан ёнғоқ тикмоқ.*

5 Қиморда: ўйинга пул ёки бошқа нарса қўймоқ. *Отаси ўлиб, катта меросга эга бўлган бойвачаларнинг кўпи.. пул тикиб, хўроз уриштириб роҳатланар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Бой беради-ю, ўзи ютмагунча ўйинни тўхтатмайди, ҳеч нарсаси қолмаганда, бутун аъзоларини битта-битта тикаверади, қўли, бурни.. борингки, занжирлаб ташланг, бари бир ўйнайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

6 Турли ўйин ва мусобақаларда: ғолиблар учун, ютуқ сифатида бирор нарса атамоқ, ўртага қўймоқ. *Мен ҳаммаларингнинг гувоҳликларингда мусобақага бир қўй тикаман.* Н. Сафаров, Дон.

7 *кўчма* Баъзи сўзлар билан бирикиб, шу сўз ифодалаган нарсани (бирор шахс ёки нарса учун) бахшида этиш маъносини билдиради. *Ҳамроҳларим ўз жонини тикиб бўлса-да, ғалабани таъмин этдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мен бутун дунёмни Раҳмонқулга тикканман..* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шундай яхши кунлар келиши учун курашган, чўлни бўстон қилишга ҳаётини тиккан одамларни эъзозлаймиз.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТИКРАЙМОҚ *шв.* Тикка турмоқ, тиккаймоқ. *Кампир бели букрайиб, қулоғи тикрайиб бораётибди.* «Алпомиш».

ТИКУВ 1 Тикмоқ фл. ҳар. н. *Иш тикув. Дўппи тикув.*

2 Тикувчилик иши, касби, ҳунари. *Тикув машинаси.* ▬ *Темиржон боғчага борадиган бўлгандан кейингина тикув фабрикасига қатнай бошлади она.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТИКУВЧИ 1 Тикмоқ фл. сфдш. *Дўппи тикувчи. Кийим тикувчи. Сўзана тикувчи. Этик тикувчи.*

2 Тикиш касби эгаси; машиначи. *Отам — артист, онам эса тикувчи.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *Баъзилар матоларини ишни чўзган бошқа тикувчидан олиб, Мадинага беришарди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ТИКУВЧИЛИК Тикувчи касби; тикув ишлари билан шуғулланиш. *Тикувчилик артели. Тикувчилик фабрикаси. Тикувчиликни ўрганмоқ. Тикувчилик билан шуғулланмоқ.*

ТИЛ I **1** *анат.* Оғиз бўшлиғида жойлашган, таъм-маза билиш, оғизга овқат олиш, ялаш ва ш.к. лар учун хизмат қиладиган мускулли аъзо. *Иссиқдан итнинг тили осилган. Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим.* Мақол. ▬ *Ўлгудай тахир экан, тилимни ёргудай, оғзимни куйдиргудай бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ниҳоят, гапира-гапира қақраган лабларини тили билан ялаб, Лутфинисо жим бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бузоқчалар бўйинларини чўзиб, унга [раисга] тилларини кўрсатишди.* «Муштум».

2 *кўчма с. т.* Асбоб, механизм ва ш.к. нинг осилиб, қимирлаб турадиган қисми. *Соатнинг тили. Компаснинг тили. Қўнғироқнинг тили.*

3 *кўчма поэт.* Тиғга ўхшаш, учли нарса. *Шамол кучайиб, оловнинг тили яна ҳам узунлашди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тепага кўтарилган қуёш ўтли тили билан ер бағридаги барча намни сўриб оларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қуёш ҳароратидан баҳраманд бўлган майса, Қиёқ тилларин чўзиб, нурга қасида куйлар.* Ғ. Ғулом.

ТИЛ II **1** Кишилар ўртасида, жамиятда ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси; тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти. *Одам тилидан топар, ҳўкиз — мугузидан.* Мақол. ▬ *Хотиннинг бу гапи Бўтабойнинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бундаги кучли мантиқ тилини боғлади-ю, ҳеч нарса деёлмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳафиза ҳеч нарса деёлмасди. Унинг тиллари ҳали қовушмай ғўлдирарди.* Мирмуҳсин, Умид. *-Никоҳ қилмай, бир йилдан ортиқ тотув яшадик. Иннайкейин, — деди-ю, тили тутилиб, гапни айлантириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Юсуфбек ҳожи сўзлар экан, юраги машъум бир эҳтимолнинг даҳшатидан*

титрар, тили ҳам осонлик билан ҳаракатланмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Сўзлаш, гапириш, фикр ифодалаш қобилияти. *Тил инсон учун берилган буюк неъматдир.* ▬ *Гапирмоққа тили йўқдир жонивор, Рустамнинг бошида айланиб турар.* «Рустамхон».

Тил учида (*ёки* **тил учи билан**) **сўзламоқ** (*ёки* **гапирмоқ)** Сидқидилдан эмас, шунчаки (йўлига) бирор сўз (гап) айтмоқ. *Кўз учиман кўзлама, кўзингга зўр келар, Тил учиман сўзлама, ўзингга зарар келар.* Мақол. ▬ *Уни хуш кўрмасам ҳам, у, тил учидами, ҳар вақт манга «жияним», деб ширин гапиради.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тилга кирмоқ** (*ёки* **келмоқ**) Сўзлай бошламоқ (гапирмай турган ҳолатдан кейин ёки кимнингдир гапнутқидан сўнг). *Оқсоқол деразанинг зиҳига омонатгина ўтириб, ҳаккам-дуккам соқол ўсган иягига қўлини тираб, ўйланиб қолди. Охири тилга кирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тилга олмоқ** Гап-суҳбат давомида кимса ёки нарса ҳақида гапирмоқ, эслаб гап айтмоқ; умуман, бирор сўзни айтмоқ. *Кейин у ўзига ўзи танбеҳ берди: «Ёмонликни тилга олма, Нормат, бундай бўлиши мумкин эмас».* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Уста «подшоҳ» сўзини тилга олгани сабабли, Маъсумабека лабини тишлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Тилдан айрилмоқ** (*ёки* **қолмоқ**) Сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ. *Пиримбой, уруш бошланганда, ёнғоқнинг тагида ухлаб қолиб, тилдан айрилдим, деб то уруш тугагунча гунг бўлиб юрган экан.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Ҳатто тилдан қолган касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас..* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Тили айланмаслик** Тили гапга келмаслик, гапиролмай қолмоқ. *Мунаввар ялт этиб қаради. Рўзининг лаблари титраб, тили айланмай қолди.* «Муштум». **Тили бормаслик** Бирор нарса дейишга ботина олмаслик, кўнгли бўлмаслик. *Кўп вақтдан бери миямда бор-у, лекин айтишга тилим бормай келади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кўнглига келган гапни очиқ айтишга Низомжоннинг сира тили бормасди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Тили гапга келмаслик** Гап-сўз айтолмай қолмоқ. *Довдираб қолганимдан, тилим гапга келмай, «а-а», «а-а» дейман нуқул* [*деди Саид*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Тили келишмаслик** (*ёки* **келмаслик**) Талаффуз қила олмаслик, айта олмаслик. [*Ҳамроқулни*] *Чақирган киши томошабоғнинг қоровули Уста кулол эди. Унинг асли оти Стокгулов. Ҳамроқул, айтишга тили келишмай, Уста кулол қўйиб олган.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. **Тили келмаслик** Гапира олмаслик, сўзлай олмаслик. *Ўтирган жойида қозиқдек қоқилиб қолган эди, қутидорнинг олдига юришни-да билмас, сўзлашга ҳам тили келмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тили чиқмоқ** 1) гапирадиган бўлмоқ, гапиришга ўрганмоқ. *Ўғлимнинг тили чиқиб қолди, баъзи сўзларни айтяпти*; 2) гапирадиган, гапиришга журъат этадиган бўлмоқ. -*Тилинг чиқиб қопти! — У Нафисанинг юзига тарсаки тортиб юборди..* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. **Тили қисиқ** Ҳеч нарса дея олмайдиган, қарши гапира олмайдиган ҳолатли. *У очкўзлар бундан кейин ҳам мени қўшишмайди.. Улар олдида ҳар вақт тилим қисиқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг тили қисиқ бўлишига сабаб бўлган гуноҳи шундай содир бўлган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тили қичимоқ** *ёки* **тилини қичитмоқ** Сўзлашга хоҳиш қўзғалмоқ (қўзғатмоқ). *Бу йигит жуда тегишқоқ бўлиб.. бу гапни ҳам унинг тилини қичитиш учун айтган бўлса керак..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Жўра, оти ҳақида гап сотишни яхши кўрарди, дарров тили қичиди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тилимнинг учида турибди** Бирор сўз, гапнинг ёдига тушай деб, айтай-айтай деб турган ҳолатни қайд этади. *[Заргаров: (ўйлаб)] Тилимнинг учида турипти-я! Хайр, майли, кейин айтаман..* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. [*Саид:*] *Сенинг иккинчи отинг нима эди, ҳозир тилимнинг учида турувди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Тилини боғламоқ** Гапирмайдиган қилиб қўймоқ, гапдан тийиб қўймоқ. *Бугунги зиёфат ўқитувчилар билан орани мустаҳкамлаш, Саодатхоннинг тилини боғлаш учун қилинган.* С. Зуннунова, Янги директор. *..бу гапни кампирнинг тилини боғлаш ва, назарида, дурустгина гап тополмай чулдираб ўтирган Зуннунхўжага луқма солиш учун айтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тилларда достон** Бирор кимса ёки нарсанинг ҳамманинг оғзидан тушмай, таъриф-тавсифда бўлган ҳолатини билдиради. *Пахтаси, ширин-шакар меваси туфайли Ўзбекистон номи тилларда достон.* «Саодат». -*Келиннинг сулувлиги Марғилонда маълум экан-*

ми? -Маълум экан, тилларда достон экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Фикр ифодалаш жараёни ва бу жараёнда юзага келувчи сўз, ибора, гап, нутқ. *Тил билан дил бир хил бўлиши керак. Тўғри тил тошни ёради, эғри тил — бошни.* Мақол. ▬ *Беш яшар Турғунбой ширин гўдак тилидан: -Сиз зўрми, дадам зўрми? — деди-да, уялиб, бошини кўрпасига яширди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Банди шўрлар, қулоқ солгин тилима.* «Эрали ва Шерали».

Тил бириктирмоқ Ўзаро келишиб олмоқ, бирор иш бўйича (одатда, кимлардандир яширин ҳолда) бир фикр-хулосага келиб олмоқ. *Синглинг қиз дилини билиб чиқсин. Хўп деса, тил бириктириб, бир кечада ура қочасанлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳисобчи Раҳим Ҳайитбоев билан тил бириктириб.. колхознинг ўнлаб қўйини саранжом қилиб юбордик.* «Муштум». **Тил тегизмоқ** Иззати нафсга тегадиган, умуман, тегадиган номақбул гап қилмоқ. *Агарда устод Қавом ҳазратлари хонадонига яна бир нима деб тил тегизсангиз, муҳтарама аямларга айтиб бераман.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бунинг оқибати, албатта, ёмон. Уламоларга асло тил тегизмангизлар, Абдишукур!* Ойбек, Танланган асарлар. **Тил топишмоқ** Ўзаро бир фикр-мулоҳазага келмоқ, шундай ҳолатда иш тутмоқ. *Кулоллар билан тил топишиб, ложувард кошинларни ўз вақтида етказиб беришажагига ишонган Меъмор.. Аҳмад Чалабий билан ҳам очилиб, қувнаб гаплашарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Тил тортмаслик** Тил гапга келмаслик, ҳеч нарса деёлмаслик. *Тил тортмай ўлмоқ.* ▬ *Георгадзе дайди ўққа дуч келиб йиқилди, йиқилди-ю, тил тортмай қолди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Тилга тушмоқ** *айн.* **оғизга тушмоқ** *қ.* **оғиз**. *Йирик корхонада чиниқиб, кўзи пишган қизнинг номи тилга тушиб қолди.* Газетадан. **Тилдан қолмоқ** Сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ. *Гапирай деса, тилдан қолганга ўхшайди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. **Тили узун** Ҳар нарсани гапираверадиган, тап тортмай, ҳадди сиғиб айтаверадиган. *Бу замонда.. ким бой бўлса, унинг оғзи катта, тили узун.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бегимхоннинг тили узун бўлиб кетди. Энди у нима деса, дея олади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Тилидан бол томмоқ** Муомаланинг ўта ёқимли, «ширин» эканлигини қайд этади. *Низомиддиннинг исмини Қавом ҳазратлари қўйганлари, Бадиани келин қиламан, деб тилларидан бол томиб гапирганлари ҳаммага маълум-ку!* Мирмуҳсин, Меъмор. **Тилидан туширмаслик** (*ёки* **қўймаслик**) Доим эслаб тилга олмоқ, у ҳақда доим гапириб юрмоқ, доим тилида бўлмоқ. *Сени, бошқа курсдошларини тилидан қўймайди.* ▬ *Бувим ойимларни яхши кўрардилар. Ҳозир ҳам сира тилларидан қўймайдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Тилини бермаслик** Ўз гапида туриб олмоқ, гапини маъқуллайвермоқ. *Ёш бўлса ҳам, тилини бермайди.* ▬ *Биласанми, тўртта одамнинг орасига кириб, ҳали тилимни бермаганман-а!* С. Аҳмад, Ханка билан Танка. **Тилини кесмоқ** Гапидан тўхтатмоқ. *Тўқли мерган Тўғонбекни мақташга бошлаган эди, Тўғонбек унга хўмрайиб, тилини кесди.* Ойбек, Навоий. **Тилини тиймоқ** Гап айтиш (гапириш)дан ўзини тутмоқ. *Дарвеш гов яна бу ерда ҳам тилини тиймай, чатоқ қилди. Барча бекларни ёмонлаб, қарғаб, оловга мой сепди!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Тилини тишламоқ** Мажбурий ёки пушаймон ҳолда гапдан тўхтамоқ, гапирмаслик. *Зулфиқор бу гапни эшитиши билан тилини тишлади, сукут қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бир кун кечди тилини тишлаб, На хурсандман, на хафа ундан.* Р. Парфи, Кўзлар.

4 Фикр ифодалаш, алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товуш, сўз ва грамматик воситалар тизими. *Ўзбек тили. Рус тили. Инглиз тили. Форс тили. Чет тилларни яхши билмоқ.* ▬ [*Зайниддин*] *Ҳиротнинг кўча йигитлари билан уларнинг ўз тилида, руҳида бир нафас ҳангамалашар..* Ойбек, Навоий. *Одатда ижодкор бирон китоб ёки ҳужжатни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилмоқчи бўлса, у аввало ўша оригиналнинг том маъносини чуқур билмоғи лозим.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Она тили Инсон ўз миллатига мансуб кишилар доирасида ўрганган, шу миллатга мансуб бўлган тил. *Она тилим — ўзбек тили.* ▬ *Меъморнинг сезишича, бу гўлдираш уларнинг ўз она тилида эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Нутқнинг ўзига хос ифода воситалари ва б. хусусиятлари фарқланадиган бир тури. *Бадиий асар тили. Сўзлашув тили.* ▬ *Деҳқонларнинг тили билан айтганда, йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт.* Н. Фозилов,

Дийдор. *Болангизнинг бир мартаба «дада» деганини эшитсангиз, ҳар қанақа кек эсдан чиқади. Ёш боланинг тили ҳар қанақа кўнгилни эритади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 *кўчма* Инсондан бошқа нарсаларнинг ўзаро бир-бирини тушунишга хизмат қиладиган воситаси, ифода воситаси (белгиси). *Қуш тилини қуш билади.* Мақол. ▬ *Узоқ-яқинларда турли-туман қушлар ўз тилларида дилшодлик қиладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 *ҳарб.* Керакли маълумот олиш мақсадида қўлга олинган, тутиб келтирилган ҳарбий асир. *Қўмондонлик Остонақуллар келтирган «тил»дан ҳужум жангининг планини тузиш учун энг керакли маълумотларни олди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

8 Бирор нарса, иш-фаолиятнинг моҳияти, сири ва ш.к. *Ернинг тилини билмоқ.* ▬ *Рустам деҳқончиликнинг тилини яхшигина ўрганган.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бу ерда, цехлар ичра станок тилин, Бошдан оёқ ўрганган ҳаракат йўлин.* Ғайратий.

ТИЛАК 1 Бирор истак, ният билан, ниманидир тилаб айтилган гап, дуо ва ш.к. *Тила тилагингни.* ▬ *Менинг биринчи холис тилагим, албатта, мазлум халқ тилидан бўладир: бундан сўнг Тошкент ҳокимлигига ҳар қандай бўлмағур одам қўйилмасин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мулла Абдураҳим қуръондан қисқа бир оят ўқиб, хон ҳазратларига энг олий тилаклар билдирди-ю, ниҳоят, мақсадга ўтди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳордиқларига бўлар Шу қиз баъзан овунчоқ, «Ёмон кўздан асрасин» Тилаги бўлар ҳар чоқ.* Ғайратий. *Худо ўз паноҳида асрасин.. ҳеч бўлмаганда, шу тилагимга етказсин худо!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўлда қадаҳ, тилда эса тилаклар.* Ё. Мирзо.

2 Бирор нарсани амалга ошириш, унга эришиш учун бўлган ички интилиш, ҳиссиёт; истак, ният. *Бир ҳафтадан кейин тоғам ҳақида бирор маълумот олиш тилагида Муроджон ишлаб турган корхонага қараб жўнадим.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. *Уста узун ва қалин мўйловини қимирлатиб, Ойқизни юпатиш тилагида гапирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Раимжон ўн олти яшар йигитчалик вақтидаёқ унда тракторни бошқариш тилаги туғилди.* Ҳ. Нуъмон, Ўз касбининг эгаси.

ТИЛАКДОШ Кимсанинг тилагига, орзу-мақсадига эришувини истовчи, унинг тилагига шерик бўлган шахс; хайрихоҳ. *Жалил аканинг келгусида амалга оширмоқчи бўлган режалари анчагина. Бу режаларнинг амалга ошувига тилакдошмиз.* Газетадан.

ТИЛАМОҚ 1 Бирор истак, тилак, ният билдирувчи сўз, гап айтмоқ. *Ҳазратим, мен мунглиқ қизингиз сизга худодан Шайх Саъдийнинг умрини тилайман! Илоҳим юзга киринг!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *У тилида «Майлингиз», деса ҳам, дилида «Худо оқ йўл берсин», деб тилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўзбекларда агар катта хурсандчилик тилайдиган бўлса, «Тўй устига тўй бўлсин!» дейишади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *кам қўлл. айн.* **тиланмоқ.** *Бирор егулик тиламоқ.* ▬ *Қизиқ экансан, оёғидагини ечиб берадими, бу ердагилар ҳаммаси — гадойдан нон тилайдиган қашшоқлар..* Ойбек, Танланган асарлар. *Жулдур-жулдур қўсқига ўраниб олган букур чол аянч овоз билан ёлвориб, бир нарса тилади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Тилаб олган боламни эчки тепиб ўлдирди Қийинчилик билан қўлга киритилган нарсасидан ажралганлик ҳақида айтиладиган мақол.

3 Хоҳламоқ, истамоқ. *Сиҳат тиласанг, кўп ема, Иззат тиласанг, кўп дема.* Мақол. ▬ *Анвар ака.. эртага чаҳоршанба кечқурун, тиласангиз — очиқча, тиламасангиз, яширинча бўлса ҳам, бизникига келинг..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қиятга ёрдамга? Уйимизга қон тилаб бостириб келгани учунми?* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Унинг истиқболига туришни ва бўйнига осилиб йиғлашни тиласа-да, қаршисидаги «олабўжилар» бунга моне эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИЛАМЧИ *с. т.* Тиланчи, гадой. *1949 йилнинг 8 августида «Тиламчилар» сарлавҳаси билан ёзилган очерким эълон қилинди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТИЛАНМОҚ Беришни сўраб илтижо қилмоқ (егулик, ичгулик нарсалар ҳақида); тиланчилик қилмоқ. [*Ҳайдар*] *Ҳар кун бозорларни айланиб, қаландарлар одатича, ғоят оддий тирикчилиги учун керакли нарсаларни тиланиб топарди.* Ойбек, Навоий. *Бола, нон олиб чиққан киши борки, қўлини чўзиб тиланар, бир-икки қадам эргашиб борар.. бер-*

маса, ҳафсаласи пир бўлиб, яна тўдага ўзини урарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТИЛАНЧИ Кишилардан бирор нарса (садақа) тилаб, тирикчилик қилувчи киши; гадой. *Очлар, юпунлар кўп. Тиланчилар орқангиздан эргашгани эргашган.* Ҳ. Ғулом, Ҳамкасблар гурунгида. *Зокирбой унинг* [*Ҳодиқулнинг*] *рўпарасида, садақа сўраб келган тиланчидай, бир лаҳза сўзсиз турди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *«Масжиди жоме» бўйлаб ҳар қадамда гадой: қаландарлар, тиланчи болалар, кампирлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИЛАНЧИЛИК Тиланчи иши, нарса-садақа сўраш. *..Лекин тиланчилик, тўғрисини айтсам, ёмон нарса, ишланг..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳей.. шундай бадном қилиб қуваманки, тиланчилик қилсанг, кишилар садақа ташламайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Йўл четларида ўтирган майиб гадойлар, тиланчилик қилиб юрган чол ва кампирлар.. кўз ўнгидан бир-бир ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИЛАР-ТИЛАМАС *айн.* **истар-истамас.** *Офтоб ойим.. тилар-тиламас, «ўзингиз биласиз» жавобини берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дилдор, тилар-тиламас, конвертни қўлига олди. Хатга қараб, ранги оқарди.* С. Ахмад, Уфқ.

ТИЛЁҒЛАМА 1 Мунофиқона хушмуомалалик, ширинсўзлик билан кишининг кўнглини олишга қаратилган, алдовчи; лақиллатувчи, (гап-сўз, муомала ҳақида). *Директорнинг тилёғлама гаплари Мақсуд акани бўшаштирди.* Газетадан. *Инспектор олдига кириб борганимда, у мени мунофиқона тилёғлама сўзлар билан қабул қилди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Шундай муомалани касб қилиб олган шахс. *-Мен тилёғлама одамни ёмон кўраман! — деди Алижон Фаридага.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Қўшнилар сени ўлгудек тилёғлама дерди-я, дарҳақиқат, шакаринг тилингда, заҳаринг дилингда экан!* «Таниш башаралар».

ТИЛЁҒЛАМАЛИК Тилёғламага хос муомала, шундай муомалада бўлиш, шундай муомала билан иш тутиш. *Ҳар қандай меъёр унутилиб, тошни ҳам эритиб юборадиган тилёғламалик бошланди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қумрининг таъби хира бўлди: «Катта йиғинда минбардан айтилган гаплари ҳам шунчаки тилёғламалик экан-да», — ўйлади у.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.

ТИЛЁҒЛАМАЧИ *айн.* **тилёғлама 2.**

ТИЛЁҒЛАМАЧИЛИК *айн.* **тилёғламалик.** *Ҳасан овчи элликбошининг тилёғламачилигига эътибор бериб ўтирмади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТИЛИК *айн.* **тилим.** *Бир тилик қовун.* ▬ *Улоқчи сопига феруза қадалган чиройли пичоқ билан умбурвоқидан бир тилик кесиб, Ўсаржонга узатди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бекат биноси устида гумбаз. Бу гумбазга санчилган узун калтак учида ҳандалакнинг бир тилигидай ой рамзи.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТИЛИКЛАМОҚ *айн.* **тилимламоқ.** [*Қовунни*] *Шартта узиб, толнинг тагига бордим. Тиликлаб ея бошладим.* F. Ғулом, Тирилган мурда. *Ерга чордана қуриб, ёнидан пичоқ чиқарди-да, қовунни тиликлади.* «Ёшлик».

ТИЛИМ Нарсаларнинг (асосан, полиз маҳсулотларининг) узун-узун қилиб тилиб, кесиб ажратилган ҳар бир бўлаги; тилик. *..йўлда қаттиқ толиққанлиги учун дуруст овқат ҳам емади. Фақат бир-икки тилим ҳандалак еди-ю, уч-тўрт пиёла чой ичди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Даламизда қовун мўл, тилими тилни ёрар.* Р. Бобожон.

ТИЛИМЛАМОҚ Тилим-тилим қилиб кесмоқ; тиликламоқ. *Гўштни тилимламоқ. Тарвузни тилимламоқ.* ▬ *Эрматов.. ҳандалакларни.. тилимлаб, одамларга улаша кетди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Жалолхон яримта қовунни тилимлаб ташлади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ТИЛИМ-ТИЛИМ Кўп жойидан тилинган, ёрилган ёки бир неча узун-узун бўлакларга бўлинган; тилимланган. *Қовунни тилим-тилим қилиб кесмоқ. Гўштни тилим-тилим қилиб тузламоқ.* ▬ *[Худойқулнинг] Оёқлари совуқдан тилим-тилим ёрилиб кетган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИЛИШ 1 Тилмоқ фл. ҳар. н. *Тахта тилиш.*

2 Тилик, тилим. *Бир тилиш гўшт.*

ТИЛИШЛАМОҚ *с. т.* Тилимламоқ. *Гўштни тилишламоқ. Чармни тилишламоқ.*

ТИЛКА Бўлак-бўлак, пора-пора. *Тилка қилмоқ. Тилка бўлмоқ.* ▬ *Қиз ҳам шундай остонасида Турди тўсиб ёпиқ эшикка, Қуёшдан узилган сайёра Каби танҳо жигари тилка.* Зулфия.

ТИЛКАЛАМОҚ Парча-парча, тилка-пора қилмоқ. *Қани, куч бўлса-ю, тоғни тилкаласанг..* Миртемир. *Қоп-қора осмонни чақмоқ тилкалаб ўтди..* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТИЛКАЛАНМОҚ Тилкаламоқ фл. мажҳ. н. *Ёнбағирлардаги қовжираган ўтлоқлар ёмғирдан қорайиб, жилға излари билан тилкаланиб кетган.* А. Мухтор, Чинор.

ТИЛКА-ПОРА Парча-парча, майда-майда қилинган; тилка-тилка. *Кийимлари тилка-пора.*

Тилка-пора бўлмоқ Парча-парча, майда-майда бўлмоқ, тилкаланмоқ. *-Энди уйга қандай кираман? – деди Мансур тилка-пора бўлган кийим-бошига қараб.* Ё. Шукуров, Уч савол. *Жаҳаннамга айланган жанг тингандан сўнг тилка-пора бўлган ер ҳам.. гўё ҳорғин нафас оларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Тилка-пора қилмоқ** 1) парча-парча, майда-майда қилмоқ, тилка-тилкасини чиқармоқ. *Шу ернинг ўзида подшоҳ кишилари уни тутиб олиб, тилка-пора қилиб ташлаган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Йигит-қизлар яшнаб бораётган чўлни, янги қурилаётган иморатларни, тепаликни тилка-пора қилаётган экскаваторни томоша қилишарди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Тилка-пораси чиқмоқ** *айн.* **тилка-пора бўлмоқ.** *Кўприкнинг тилка-пораси чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Ҳа, ер қучиб ётар энди, чиқиб тилка-пораси.* О. Ҳакимов.

ТИЛКА-ТИЛКА *айн.* **тилка-пора**. *Унинг қўл-оёқлари кишанланган, сочлари юлинган, кийимлари тилка-тилка қилинган эди.* Ойдин, Гулсанам.

ТИЛЛА [*ф.* طلّا / تلّه – олтин, зар] **1** *айн.* **олтин 1.** *Бир грамм тилла.* ▬ *Шу пайтдан тиллага ишқи тушиб қолганига ўлайми у хумпарнинг.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Шу металлдан зарб қилинган пул, ундан ясалган қимматбаҳо буюм; бойлик. [*Канизакнинг*] *Кўмиб қўйган тилласи йўқдир, кўмиб қўйган тилласи бўлганда, бўйдоқ йигитга тегар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *тар.* Қиймати ўн сўмга тенг бўлган тилла танга. *Ҳожи кулумсираб, қўлидаги учтўртта оқ танга билан битта тиллани Ойбодоққа узатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *кўчма* Энг яхши, қимматли нарса ёки севимли киши ҳақида. *Нигора кўрпада чалқанча ётиб, хаёлга чўмди. «Даданг билан бирга овга ҳам чиққанмиз, тилла одам эди», деди ўша чўпон. Дадаси тилла одам бўлганмийўқми – Нигора билмайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Жўравойни айтмайсизми! Мен одамнинг бунақа тилласини кўрмаганман, – деди Умурзоқ ота.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

5 *бот.* Воҳаларда, суғориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик, ялпоқ бошоқли ўсимлик.

6 Тилла (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ТИЛЛАДЎЗ [*ф.* طلّادوز – тилла, зар тикувчи; зардан тикилган] *кам қўлл. айн.* **зардўз.**

ТИЛЛАДЎЗИ [*ф.* طلّادوزی – зар билан тикиш; зар билан тикилган] *кам қўлл. айн.* **зардўзи**. *У* [*элчи*] *туматроқли сўзлар билан Тўмарисни қутлуғлар экан, мулозимлари тилладўзи чопон ва ҳарир кўйлаклар тугилган зарбоф бўғчани унинг оёғи остига қўйдилар.* М. Осим, Тўмарис. *Шоҳ.. сарой аҳлига фармонлар берди: Устод Саид саройда қолади, унга тилладўзи тўн кийгизилсин!* А. Мухтор, Чинор.

ТИЛЛАКОР(И) [*ф.* طلاکاری – тилла, зар, зарҳал билан безатилган, ишланган] Тилла билан безатилган. *Тиллакор эгар.* ▬ *У* [*Ҳусайн Бойқаро*] *ўзининг тахти турган тиллакори хонага эмас, унга ёпишган кичик хонага кирди.* Ойбек, Навоий. *Мулла Фазлиддин Ҳиротдан келиб, Андижон чорбоғида подшоҳ оиласи учун тиллакори кўшк қурган пайтларида, ўн олти ёшли Хонзода бегим.. ўзининг суратини чиздирган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТИЛЛАШМОҚ *с. т.* **1** Чет (бегона) тилда ёки ўзига хос «тил» билан гаплашмоқ, муомала қилмоқ. *Бу кишининг гапига тушунмаяпнман, тиллашиб беринг.* ▬ *Баъзан эса қабулхона секретарига: «Қўнғироқ қилган киши мебелдан гап оча бошлаши биланоқ, унга директор билан тиллашаверинг дегин», деб уқтириб қўяди.* О. Юнус, Қочинг, телефон жиринглаяпти. *Иккаласи анордек қизариб, кўзлари орқали тиллашиб, шўх табассум билан чеҳралари атиргулдек очилиб, бирбирларини туртиб, қувлашиб кетишарди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

2 *кўчма* Баъзи нарсаларнинг сирини, «тили»ни билиб, улар билан муомала қилмоқ, иш битирмоқ. *Ҳамдамжоннинг номи, иш фаолияти.. касбдошларига яхши маълум: кўп йиллардан бери техника билан тиллашади.*

Газетадан. *Искандар кундузлари машиналар билан «тиллаш»са, кечалари янги инструкция, чизмалар билан «суҳбатлашиб» чиқади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТИЛЛАҚОШ Хотин-қизларнинг тилладан ясалган ёки тилла суви югуртирилган, пешонага тақиладиган безак буюми. *Заргар ясар тиллақош, Келинчаклар тақсин деб, Йиғлаб олай, маржон ёш Оқ юзимга оқсин деб.* «Қўшиқлар». *Назокатга келин либоси кийдирилиб.. бўйнига дур-марварид, ёқут, олмос кўзли кумуш тумор, пешонасига тиллақош тақишади.* С. Анорбоев, Меҳр.

ТИЛЛАҚЎНҒИЗ Баҳор, ёз ойларида пайдо бўладиган, ярқироқ яшил рангли қўнғиз. *Худди енгил шамол каби Зир югуриб боғларда, Ёки қувиб тиллақўнғиз, Гулзорларда ўйнардим.* З. Диёр.

ТИЛЛО *юқ. усл.* Тилла, олтин. *[Тошкентнинг] Табаррук тупроғи зару тиллодан.* М. Шайхзода, Тошкентнома. *Уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолик қилиб, неча тилло моҳиёна олар эмиш.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТИЛМА Тилимлаб кесиб ҳосил қилинган. *Тилма жўяк.* ▬ *Тилма зовурдан чиқиб, тупроқ уюмидан сакраб ўтган Алижон қайтарма этигига ёпишган тупроқни жаҳл билан қоқди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ТИЛМАЛАМОҚ *кам қўлл.* Тилимламоқ, тилишламоқ. *Асл қизил олмалар, Уни қизим тилмалар.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

ТИЛМОЧ *эск.* Бир тилдаги гап ёки нутқни бошқа тилга оғзаки таржима қилиб берувчи; таржимон. *Ҳоким гап нима тўғрисида кетаётганлигини тилмочдан сўраб, Тешабойга кулиб қўйди — тарғил кўзларида ғалати бир сирнинг ўти чақнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТИЛМОЧЛИК Тилмоч иши, касби. *Рус прорабнинг гапига Абил тушунмади. Ёшгина бир йигит тилмочлик қилиб юборди.* Газетадан. *Тил билганлар тилмочлик қилиб, хоннинг гапини қўнғиротларга тушунтирди.* «Ёдгор».

ТИЛМОҚ 1 Пичоқ ва ш.к тиғли нарса билан узунасига кесмоқ, қирқмоқ, ёрмоқ. *Насимийни тириклайин товонидан тилишган ва терисини шилишган.* Миртемир, Дўстлар даврасида. *Этларимни ништар билан тилсинлар.. мен сиздан ажралмайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Жилғанинг бошидан оёгигача сўқа билан тилиб, ариқ очилса-да, тоғолча билан ёнғоқ экилса..* С. Анорбоев, Оқсой. *Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тилим-тилим қилиб кесмоқ; тилимламоқ. *Қовунни тилиб қўймоқ. Гўштни тилиб тузламоқ.* ▬ *Шаҳарда қоровуллик қиламанми, қовун тилиб сотаманми — менинг ишим.* «Муштум».

3 Ёғоч ёки тахтани узунасига арраламоқ. *Бир куни.. меҳнат дарсида битта кўзлик тахтани тилаётиб, электр аррани синдириб қўйдик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Симёғочлар ҳам, тилса, жуда сўрибоп экан.* А. Мухтор, Чинор.

4 Тирнаб ёки юлиб, узун из ҳосил қилмоқ. *Стол устидаги бир тахта ойна майда-майда бўлиб, Саидийнинг билак ва панжаларини тилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Саломат бутун кучини йиғиб, боғма-боғ ошиб кетди. Тиканлар оёғини тилди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Бағрини *(ёки* **кўксини, юрагини, қалбини) тилмоқ** Юрагини доғламоқ, яраламоқ, вайрон қилмоқ. *Рангимизга қон кирди, Душман бағрин тилибди.* «Қўшиқлар». *Нега энди қалбимни тилдинг?! Нега қилдинг севгига ошно..* Сайёр.

ТИЛОВАТ [*а.* تلاوت — (овоз чиқариб) ўқиш; ўқиб чиқиш] *дин.* Қуръон ўқиш, қуръондан бир сура ўқиш. *У дарё бўйида хуфтон намозини ўқиди. Ўғлининг руҳига тиловат қилиб, кўзидан ёш тўкиб бахшида қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Гулниёз оҳиста одимлаб бориб, мақбаранинг ёнгинасида тиз чўкди, қироат билан тиловат қилди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТИЛОҒОЧ Ёғочи жуда қаттиқ, узун, игнабаргли дарахт. *Ҳозирги кунда саноатимиз ошловчи моддани тол, тилоғоч, қарағай каби дарахтларнинг пўстлоқларидан ва бошқа қисмларидан олади.* «Фан ва турмуш».

ТИЛСИЗ 1 Оғиз бўшлиғида тили бўлмаган, тили йўқ.

2 Сўзлаш қобилиятига эга бўлмаган, сўзлай олмайдиган. *Бечора тилсиз жонивор эгасинииг бу жиннилликларига қулоқларини жимгина чимириб чидаб берган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йўлчи тилсиз каби, ғайришуурий равишда бошини чайқади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Гап-сўзсиз, индамай. *Унсин ҳам, кампир ҳам ҳаракатсиз, тилсиз қотиб қолдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мендан*

тилсизгина бир нарса сўрар, Ёлбориб фикримга термилади у. Р. Парфи, Кўзлар. *Кутилмаган ғазабга учраган Бозоров нима дейишини билмай, тилсиз, ҳаракатсиз ёғочдай қотиб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *кўчма* Чурқ этган овоз эшитилмайдиган, жимжит. *Бир кун тилсиз кечанинг Кириб қўйнига, Ашурни йўқ қилишни Олди бўйнига.* Ғайратий.

Тилсиз ёв Гапга тушунмайдиган, қулоқ солмайдиган; шафқатсиз, золим. *Қуруқ аёз — тилсиз ёв.* Мақол. ▬ *Лашкаримни ютар эди аждаҳо, Бўлолмадим тилсиз ёвга баробар.* «Ширин билан Шакар».

ТИЛСИЗЛАНМОҚ 1 Сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ, гапиролмай қолмоқ.

2 *кўчма* Бирор эътироз ёки жавоб айтолмай, лол бўлиб қолмоқ.

ТИЛСИМ [*а.* طلسم — тумор; сирли, махфий ёзув; сир] **1** Сеҳрлаб қўйилган, сеҳрли нарса; ҳеч ким кира олмайдиган сеҳрли жой. *Тантибойвачча бобиллади: -Дев пойлаган тилсимдан уни қайси мард олиб кетди?* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишчининг бу сўзлари Сергейга тилсимнинг калитига ўхшаб туюлди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Ҳар қандай сирли, нарсасини билиб, топиб бўлмайдиган, яширин жой. *Эҳтимол, жавоҳир сақлаган сандиқ, Тилсим бойликларга кондир бу тақир.* Уйғун, Ҳаёт чақиради. *Меъмор табиат даштни атайлаб ясаган, эй одамзод, тилсимини топ-у, ўзингга бўйсундир, шунда хизматингни ўтайверади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТИЛСИМЛАМОҚ Сеҳру жоду қилмоқ, ҳеч ким кира олмайдиган қилиб қўймоқ; сеҳрламоқ. *Ёнида кашмир йўқ эдики, Иброҳимбекнинг кўзини боғлаб, тилсимлаб кетган бўлса!* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ТИЛСИМЛИ 1 Сеҳрлаб, тилсимлаб қўйилган, тилсимланган. *Тилсимли хазина. Тилсимли қалъа.*

2 Ғайритабиий кучга эга бўлган; мўъжизакор, сеҳрли, сирли. *Бектемир гўё умрида ойни илк дафъа кўргандек, қизиқиб қаради, қизчага тилсимли, ғалати ўйинчоқни кўрсатгандек, бошини қимирлатди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ер бағрининг разведкачилари тилсимли таёқчага эмас, балки ўз билим ва тажрибаларига суянишади.* «Фан ва турмуш».

ТИЛСИМОТ [*а.* طلسمات — «тилсим» с. нинг кўпл.] **1** Тилсим, тилсимлар. *Табиат тилсимотлари.* ▬ *Султонмурод ўзини аллақандай бир тилсимот ичида сезди.* Ойбек, Навоий. *Ушатсам денгизлар тилсимотини, Сўнгсиз муҳитларнинг қулфин очолсам!* Миртемир, Ўйлар.

2 Сеҳр, жоду. *Жоду-тилсимотлар билан тоғни кўтарар.* «Муродхон».

ТИЛХАТ Пул, ҳужжат, қимматбаҳо буюмлар ёхуд бошқа бирор нарса олганлигини тасдиқловчи расмий ёзма ҳужжат. *Деҳқон бир парча ерини, уй-жойини гаровга қўйиб, кеч кузда юз сўмни юз йигирма сўм қилиб қайтаришга тилхат берар, тилхатга қози муҳр босиб, бойга узатарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Йўқотиб қўйманглар, заводдан тилхат билан олиб келдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТИЛЧА 1 Тил 1 с. кичр.

2 *анат.* Оғиз бўшлиғида юмшоқ танглайнинг орқа чеккасидан пастга осилиб турадиган юмшоқ ўсимта.

ТИЛЧИ 1 Тил бўйича мутахассис, тилдан дарс берувчи шахс, ўқитувчи.

2 *қ.* **тилшунос**. *Тилчи ва адабиётчи олимлар биринчи тадқиқотларини шу ерда бошлаганлар.* «Фан ва турмуш».

3 *эск.* Гап ташувчи; чақимчи; жосус, шпион. *Подшоларнинг қатнаб юрар элчиси, Элчиларнинг бўлар экан тилчиси.* «Алпомиш». *..оёқяланг деҳқонларни бундай мажлисларга яқинлаштириш керак эмас, ажаб эмаски, буларнинг ораларида большевикларнинг тилчиси бўлса.* С. Айний, Қуллар.

ТИЛЧИЛИК 1 Тилчи иши, касби.

2 Гап ташиш; чақимчилик; жосуслик. *У бизнинг оқсоқол бўлиб, биз томондан тортишиб талашиши лозим бўлса ҳам, амлокдорга тилчилик қилади.* С. Айний, Қуллар.

ТИЛШУНОС Тилшунослик бўйича мутахассис, олим. *Машҳур тилшунос.*

ТИЛШУНОСЛИК 1 Тилшунос иши, касби.

2 Тил ҳақидаги фан; лингвистика. *Тилшунослик масалалари.* ▬ *Ҳ. Бердиёров машҳур тилшунос ва адабиётшунос олимлар раҳбарлигида тилшуносликка оид илмий асарлар ёзган.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ТИМ I [*ф.* تیم — бозор (яқини)даги карвонсарой] Усти ёпиқ бозор; савдо растасининг баланд томи; карвонсарой. *Ғарчча*

мой!» Унинг жарангли овози растанинг тимини тешгундай янграрди. Ойбек, Танланган асарлар. *Абдуллахон солдирган қуббали тимнинг ичи ари инидек ғувиллар эди.* М. Осим, Элчилар. *Матчон тўра карвонсарой томонга, тимга бурилди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТИМ II «Қора», «қоронғилик» каби сўзлар олдидан ишлатиладиган кучайтирув юкламаси. *Тим қора соч. Тим қоронғи тун.* ▬ *Отинойи олтмишларга борган, тишлари тушган, фақат тишқолидан тим қорайган икки тиши гапирганда лиқиллаб турар эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Тим қоронғилик ичида узоқдан юлдузлар жимир-жимир кўз қисар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИМ III *шв.* Мутлақо, сира, ҳеч. *Хон Далли бу сўзларни эшитиб, юрагида тим тоқати қолмади, эри мард Ҳасанга қараб.. бир сўз деди.* «Равшан».

ТИМБОН [*ф.* تیمبان – тим қоровули] Тим соқчиси, бозор қоровули.

ТИМДАЛАМОҚ Тирноқлар ёки ўткир учли буюмлар билан тилмоқ, юлмоқ; тирнамоқ. *Мушук билан ўйнашма, тимдалаб олади.* ▬ *Онасига юраги ачишди. Хаёлида онаси сочларини юлиб, юзларини тимдалаб йиғлаб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Юрагини (*ёки* **қалбини, ичини**) **тимдаламоқ** Худди тимдалаганда бўладиган (тимдалаш каби) руҳий азоб бермоқ, қалбда худди шундай ҳаракат содир бўлмоқ. *Айиқчадан айрилиб, ичини нималар тимдалаётганини фақат ўзи биларди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бу қўрқинчли хабар икки кундан бери унинг қалбини тимдалар.. айтай деса, тили бермасди.* Ш. Тошматов, Эрк куши. *Бобур яқиндагина яйраб-яшнаб юрган онасини ҳозир бу аҳволда кўриб, юрагини бир нарса тимдалаб ўтди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТИМИ(Р)СКИЛАМОҚ Пайпаслаб ёки титкилаб қидирмоқ, ахтармоқ. *Чўнтагини тимирскиламоқ.* ▬ *Кампир тимискилаб, нимчасини топди-да, елкасига ташлаганча, ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Ўйлар. *Мадраим стол тагида турган чамадонни очди, тимискилаб, ниманидир ахтара бошлади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ТИМИ(Р)СКИЛАНМОҚ 1 Тими(р)скиламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ёнидаги шериги Аҳмад ҳам.. тимискилана бошлади.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан.

2 Пайпаслаб тахмин билан йўл топмоқ; урилиб-сурилиб, қоқилиб юрмоқ. *[Олахўжа] Эшикка чиқди. Қоронғи тор кўчада тимискиланиб, Мамасаидникига борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИМСОЛ [*а.* تمثال – ҳайкал; тасвир] **1** Тушунтириш учун ёки асос, далил, исбот ва ш. к. сифатида келтирилган айрим намуна; мисол. *Яна тимсол: гўзал адабиёт – руҳий озиқ.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳамжиҳатлик ва ҳақиқий биродарликни ҳозирги кунларда пойтахтимизда амалга оширилаётган буюк ишлар тимсолида ҳам кўриб турибмиз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ибрат бўла оладиган кимса, нарса; ўрнак. *Дўстликнинг тимсоли азали сенсан, Шоирлар илҳоми, ғазали сенсан.* М. Икром. *Замонамиз маърифатин, донишмандлигин Тимсолидир икки қўшни республикамиз.* Ғ. Ғулом. *Сук билан қараса, ҳеч ажаб эмас, Чунки сен ҳурликнинг ёрқин тимсоли.* Зулфия.

3 Белги, рамз. *Шода-шода кўсакда гавҳар ётибди.. Тинчлигимиз тимсоли каптар ётибди.* Ё. Мирзо. *Оловиддин тепаликларида қурилаётган денгиз – халқлар дўстлигининг тимсоли бўлиб қолади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 Кўз ўнгида, хаёлда, тасаввурда гавдаланган образ, сиймо, кўриниш, сурат. *Оромим ҳам йўқолди. Кечалари ухлаёлмай, тўлганиб чиқа бошладим. Сал мизғидимми, бас, яна кўз олдимда Ёқутхоннинг тимсоли гавдаланади.* М. Салом, Кечирим. *Қалбларга тимсолинг ўрнат, эй бахши, Менга ҳам куйлашни ўргат, эй бахиш.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

ТИМСОҲ [*а.* تمساح – тимсоҳ] Иссиқ мамлакатлардаги сув ҳавзаларида яшайдиган, териси қалқонсимон қаттик ва қалин, танаси калтакесакка ўхшаш судралувчи йирик сув ҳайвони,

ТИМТИҚ *шв.* Салқит, нишхўрт. *Сигир емнинг тимтиғини ҳам қолдирмади.*

ТИН 1 Нафас олиш, нафас. *Йиғиштириб бор бисотини, Бўғизига тиқилиб тини, Нури сари қилди ишора, Зайнаб учун бу бўлди чора.* Ҳ. Олимжон.

Тин олмоқ 1) нафас олмоқ. -*Хайрият, – Абдураҳмонбой эркин тин олди-да, домлага қаради.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) нафасини

ростлаб олмоқ, дам олмоқ. [*Қодирбек*] *Рулга бошини қўйиб, бир оз тин олди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ТИНГ Ҳайдалмай, экилмай ётган; заранг. *Тинг ер.*

ТИНГЛАМОҚ Диққат-эътибор билан эшитмоқ. *Маъруза тингламоқ. Мусиқа тингламоқ. Оз сўзла, кўп тингла.* Мақол. ▬ *Йўлчи уни диққат билан тинглаб, сўнг асл мақсадини очишга интилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўтирганлар ажойиб овоз билан айтилган ашулани роҳат қилиб тинглайдилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ТИНГЛОВЧИ 1 Тингламоқ фл. сфдш. *Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлиши керак.* Мақол. ▬ *Ашулаларим тингловчиларга қандай таъсир қилаётганлигини яққол кўриб турардим.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 Ўқув юртлари талабаси ёки курс, тўгарак ва ш.к. нинг ўқувчиси. *Машғулотга фақат мен эмас, тингловчилар ҳам роса тайёрланишади.* «Саодат». *Иқтисодиёт тўгараги ишидан ҳамма тингловчилар мамнун бўлишди.* Газетадан.

3 *тлш.* Иккинчи шахс.

ТИНГШАМОҚ *шв.* Диққат билан қулоқ тутмоқ; қулоқни динг қилмоқ. *Ҳожи ака бирон гап айтмоқчи бўлиб, рўпарасидаги суҳбатдошига кўзойнаги оша тингшаб қараб қўйса.. ўзини тутолмай кулиб юборади.* Т. Пўлат, Ҳожи ҳисобчининг ҳикоялари.

ТИНДИРГИЧ Суюқликни тиндириш, ундаги қум, лойқа, эритма ва ш.к. ни чўктириб, суюқликни тозалаш учун хизмат қиладиган қурилма, ҳовуз ёки идиш. *Трактор керосин бакининг тиндиргичи.* ▬ *..мавжуд каналларни таъмирлаш.. ҳовузлар, сув тиндиргичлар қуриш ишлари амалга оширилди.* Газетадан.

ТИНДИРМОҚ 1 Тинмоқ фл. орт. н. *Сувни челакда тиндирмоқ. Юпатиб кўз ёшини тиндирмоқ. Тиндирмай ишлатмоқ.* ▬ *Ҳар томонда ишчилар Тошларни синдиради, Дарёни тиндиради, Темир тан курашчилар.* Ҳ. Олимжон. *Душман снаряд, миналарни бир зум ҳам тиндирмасдан, омонсиз ёгдирар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Сал ўтмай унинг ғазабли овози ҳамма шовқинни тиндирди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўнглингизга келмасин, Эркатой, деб Солини, Меҳнатда ҳам тиндирар Онасининг жонини.* Қ. Муҳаммадий.

2 Бартараф қилмоқ, тинчитмоқ, босмоқ. *-Ўз «фожиам» ниҳоясидан ошай деб турса-ю, ўзгалар можаросини қандай қилиб тиндирар эканман. Ҳечам, — деди Қумри.* М. Жўра, Изтироб.

3 Ҳамма нарсадан бадастир, саранжом-сариштa қилмоқ. *Ҳанифахон сергапроқ бўлса-да, меҳнаткаш аёл чиқди, бутун рўзғорни тахт тиндирди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Нима десанг, айтганингни тиндириб, Хафа бўлиб, ғам емагин, фарзандим.* «Рустамхон».

ТИНЖИРАМОҚ *фольк.* Йилт-йилт нур сочиб турмоқ, ярқирамоқ; жилваланмоқ. *Жамоли чилланинг қоридай тинжираб, ялтираб ўтирур.* «Равшан».

ТИНИБ-ТИНЧИМАС Сира тинмайдиган, тиним билмайдиган, серҳаракат, серташвиш. *Тиниб-тинчимас аёл.* ▬ *Тиниб-тинчимас Меъмор тонг сурури олдида таслим бўлди.. китобини йиғиб, ўрнидан турди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНИМ Ишдан, ҳаракатдан холи вақт ёки ҳолат; дам, ором. *Баъзи вақтда, суғориш пайтларида, кечалари ҳам тиним бўлмас, сувни узоқдан ҳайдаб келишга тўғри келар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тиним бермаслик 1) дам бермаслик, бетиним ҳолатда тутмоқ. *Отинойи унга [Элмуродга] тонг саҳардан кечаси аллавақтгача тиним бермаса ҳам, қорнини ҳеч қачон ёлчитмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Умаровнинг жангчилари душманга тиним бермай, изидан қувладилар.* Т. Рустамов, Манги жасорат; 2) тинчи-оромини бузмоқ, тинчлик бермаслик. *Мана бу қўшнимизнинг болалари сира тиним бермайди..* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Бу ҳамма вақт бошида айланиб, тиним бермай юрган эски ўй эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кейинги кунларда Юлдузхон Муҳиддиннинг кўз олдидан нари кетмайдиган, тиним бермайдиган бўлиб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Тиним билмаслик** Тиним, дам олмай, доим иш, ҳаракатда бўлмоқ. *Эрта саҳардан то қора кечгача одамлар тиним билмаган ана шу кунларнинг бирида.. Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш — икки отлиқ чиқиб келаверди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Асалари каби ўзбек пахтакори тиним билмайди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Тиним йўқ** Тўхтовсиз (тинимсиз) иш-ҳаракатда. *Устаникида тонг ёришгандан қош қорайгунгача тиним йўқ — дам босиш, босқон*

уриш, сув ташиб, ўтин ёриш.. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Пристанда ҳаёт қайнайди. Иш! Ҳеч тиним йўқ кемачида.* Э. Раҳим, Янги қадам. **Тиним куни** *кам қўлл.* Дам олиш куни. *Тиним куни соқоли ўсган Умид эрта билан гастрономга, ундан кейин ёпган нон олиш учун бозорга кирди.* Мирмуҳсин, Умид. **Тиним олмоқ** Дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ. *Уйга қайтганда ҳам, бир муддат тиним олишга имкон топмади.* Ойбек, Навоий.

ТИНИМОҚ *айн.* **тинмоқ 1**. *Сув тиниди.*

ТИНИМСИЗ 1 Тўхтовсиз равишда, тиним билмай. *Дераза ортида оқшом ташвиши билан жонсарак бўлиб қолган чумчуқлар тинимсиз чирқилларди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Қишлоқнинг ўртасидан шиддат билан оқаётган сой тинимсиз шовуллайди.* Т. Расулов, Шонли авлод.

2 Давомли тарздаги, узлуксиз. *Пахтачилик шарафли ва масъулиятли касб, у доимо деҳқонлардан тинимсиз изланишни талаб қилади.* Газетадан. *Санъат жасорат, жонфидолик билан.. тинимсиз меҳнат — машқлар билан дунёга келади.* «Саодат».

ТИНИШ 1 Тинмоқ фл. ҳар. н. *Соқиев тик турганича шовқин тинишини кутди..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *айн.* **тиним.**

Тиниш белгилари Муайян тилда ёзма нутқни тўғри, ифодали, мантиқли баён қилиш, уни ихчамлаш, ёзма нутқ бўлакларининг ўзаро мантиқий-грамматик муносабатларини кўрсатиш учун хизмат қиладиган муҳим график воситалар (вергул, нуқта, тире ва ш.к.). *Тўғри, абзац бошқа тиниш белгилари сингари айрим бир шаклга эга эмас.* «ЎТА».

ТИНИҚ 1 Лойқа ва ш.к. дан холи, тиниган ҳолатли. *Чўққилардан оқиб тушган бу сойлар шишадек тиниқ.* Мирмуҳсин, Ҳамзаобод. *Ариқчаларда кеч кузнинг тиниқ суви лимиллаб оқади.* Н. Аминов, Суварак.

2 Гард-ғубор, хиралик ва ш.к. дан холи, равшан кўринишли. *Осмон ҳар вақтдагидек булутлардан холи, беғубор, тиниқ, кўм-кўк.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Радиодан дутор садоси таралар, сеҳргар куй Темиржоннинг қалбига кириб борар, тиниқ юзида ёқимли, мулойим жозиба.. уйғотарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Кўзларининг қораси ниҳоятда тиниқ ва ўтли..* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Хиралик, қўполликдан холи; жаранг-дор (товуш, овоз ҳақида). *Адолат дуторини қўлга олди. Бир нафасдан кейин унинг қўнғироқдек тиниқ овози янгради.* С. Зуннунова, Гулхан. *Тоғ бағрида ўйноқлаб югурган жилғаларни эслатувчи тиниқ, жозибадор садо хонани тўлдирди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

4 *кўчма* Аниқ ифодали; равшан. *Сўзфикри тиниқ зиёли бўлганингиз учун ҳам биз чекаётган айрилиқ ситамини сезяпсиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Жаҳонда ақли тиниқ шинаванда йигитнинг битаси сен-у, биттаси мен.* Ж. Абдуллахонов, Тожи билан Ҳожи. *Унинг хотираси ҳайратда қоларли даражада бой ва тиниқ эди.* Газетадан.

ТИНИҚЛАШМОҚ Тиниқ, мусаффо, равшан, тоза бўла бормоқ. *Овози яна ҳам тиниқлашди.* ▬ *Анҳордаги сув тиниқлашиб, зилол ранг касб этганди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Саиднинг назарида, Бекобод осмони тиниқлашиш билан бирга кенгайгандек эди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар. *Сафарлар, учрашувлар, суҳбатларда фикринг яна тиниқлашади.* Зулфия, Чўққилар.

ТИНИҚЛИК Тиниқ ҳолат. *Осмон шу қадар беғубор, шу қадар кўм-кўк кўринадики, гўё ҳеч қаерда бунақа тиниқлик бўлиши мумкин эмасдек.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бу сувлар ўзининг тиниқлиги, шифобахшлиги.. каби устунликлари билан айниқса ёзнинг жазирама кунлари ажралиб туради.* Газетадан. *Бир йўла кенгайтирилган коммутация системаси овозда ғоятда яхши тембр ва тиниқликни ҳосил қилади.* Газетадан. *Шунча шаддодлиги, фикрининг тиниқлиги, чаққонлиги билан Бадиа Худодбекка хотин бўлармикин?* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНИҚМОҚ 1 Чарчоқ, эзилиш ва ш.к. лардан холи бўлиб, бардам, тетик ҳолатли бўлмоқ. *Ухла, ухла, сафаринг узоқ, тиниқиб ол, ўғлим.* Ойбек, Болалик. *Ана шундан кейин болаларнинг ақлларигина эмас, танлари ҳам секин-секин тиниқиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о

Тиниқиб ухламоқ Мириқиб, чарчоқ кетадиган (тарқайдиган) бўлиб ухламоқ. *Уйқудан қолибсан, тиниқиб ухлаб ол, мен тезда қайтиб келаман.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

2 Тиниқлашмоқ (тўғри ва кўчма маънода). *Ўша-ўша Латофат. Сира ўзгармабди. Тиниқиб, хиёл тўлишибди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Франция, Англия хотинлари ўн бир-*

гача ухлашади, шунда юзлари яхши — чиройли бўлади, тиниқади.. Мирмуҳсин, Умид.

3 *кам қўлл. айн.* **тинмоқ, тинимоқ.** *..ариқчаларнинг биттасида оппоқ сут, биттасида тиниққан сув.. биттасида шароб оқмоқда.* Фитрат, Қиёмат.

ТИНКА Куч-қувват, мадор, мажол. *Иситмалайвериб беморнинг тинкаси қолмади.* ▬ *Кун ботишга яқин иккинчи тўнкани ҳам қулатдим. Жуда тинкадан толган эдим, «уҳ» деб бориб, ўрнимга чўзилдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Тинкаси қуримоқ 1) иш, ҳаракат ва ш.к. натижасида (таъсирида) ҳолдан тоймоқ. *Ҳар битта ғиштни, ёғочни, ҳар бир кўза сувни пастдан олиб чиққунларича тинкалари қуриб кетарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Жазирама иссиқ кунлари менинг тинкам қуриб, соя жойни ахтариб қоламан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) *кўчма* ахволи танг бўлмоқ, ҳолдан toймоқ. *Урушдан халқнинг тинкаси қуриди.* ▬ *Ўзаро қирғин, ҳарбий юришлар, ўлпону ушр солиқлари раиятни тобора қашшоқлаштириб, тинкасини қуритди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНКАСИЗ *кам қўлл.* Тинкаси қуриган, ҳолдан тойган, мадорсиз. *Мана Гулшан уйда тинкасиз (яхшиямки она ўроқда), Чол супада букчаймиш ёлғиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИНЛИК Тинч, шовқин-суронсиз ҳолат; сукунат. *Кечки тинликда қаердадир «тўқ-тўқ» этган товуш эшитиларда.* А. Мухтор, Чинор. *..эркин қушлар дарахтларнинг қуюқ шохи ичидан жонли найларини тинликка қуярди.* С. Зуннунова, Олов.

ТИНМАГУР Сира тинмайдиган, тиним билмайдиган, тинч турмайдиган, тиниб-тинчимас; серҳаракат (шундай хусусиятни қайд этувчи муносабатни билдиради). *Тинмагур аёл.* ▬ *Тинмагур шаҳримизнинг субҳида шунча овоз.* Ғ. Ғулом. *Э тинмагур кўнгил, ниҳоят, мени мана шу қизалоқларга масхара қилдирдинг.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТИНМАЙ *рвш.* **1** Тиним билмай, дам олмай, ҳормай-толмай. *Тинмай ишламоқ.* ▬ *Ҳовлида тинмай-қўнмай хизмат қилиб юрган пахмоқ сочли, исқирт кийимли ёш-қари хотинлар ҳам анчагина.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тўхтамасдан, тинимсиз. *Йигитлар, гўё карамзор бошидаги дарахтларда тинмай сайраётган булбулга қулоқ солаётгандек, жим қолишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Давомли тарзда, сурункасига, узлуксиз. *Икки кун тинмай қор ёғди. Меҳнаткашларнинг онгини тинмай ошириб бормоқ.* ▬ *Эндиликда шаҳарда ҳар турли миш-мишлар тарқалиб, сиз ҳурматли зотнинг подшоҳга қарши гапларингизни айғоқчилар тинмай етказиб турибди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНМАЙИН *айн.* **тинмай.** *Баҳри шошар босолмай қадам, Ўлчаб бўлмас унинг севинчин. Типирчилар юрак тинмайин, Сиғдиролмай шодликнинг кучин.* Ҳ. Олимжон.

ТИНМАСДАН *айн.* **тинмай**. *Бу кеча Шоқосим жуда хурсанд эди. Тинмасдан қизиқ нарсаларни сўзлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тинмасдан айланарди Ўртада коса. Ордилар дамба-дам Косадан бўса.* Ғайратий.

ТИНМАҒУР *айн.* **тинмагур**. *-Қаёққа яна, тинмағур? — сўради Комила [Латифжондан] ўзини оналарча тутиб.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТИНМОҚ 1 Лойқа ва ш. к. аралашмаларнинг чўкиши натижасида тозаланмоқ; тинимоқ (суюқлик ҳақида). *Лойқа сув бир кечада зўрға тинди.* ▬ *Кун исиб кетди. Ҳар қадамда халқоб бўлиб ётган кўлмаклар ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Гард-ғубор, хира ҳолатдан тоза бўлмоқ, тиниқлашмоқ, равшан бўлмоқ. *Ювош нурлар ўйнайди, осмон гулдай яшнар тобора тиниб.* Ш. Раҳмон.

3 Иш, ҳаракатини тўхтатмоқ; дам олмоқ. *У кун бўйи тинмади. Эшак минганнинг оёғи тинмас, Икки хотинликнинг қулоғи тинмас.* Мақол. ▬ *Ўйинқароқ.. Ит тинса тинади, қуш тинса тинади, бу тинмайди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Хотинлар, қайтага, Онахон ишдан тинган пайтларда тўпланадиган бўлишди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Оғзи (*ёки* **жағи**, **чакаги) тинмоқ** Гапиришдан тўхтамоқ, жим бўлмоқ. [*Ёрматнинг*] *Қўллари этикни ишқаларкан, оғзи тинмади: -Уҳ, ўлиб бўлдим, қизим! Ёлғиз қўйни ҳайдаш — нуқул азоб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шиша бўшаб, навбат пирожнийга етган маҳал ҳам Ғойибнинг жағи тинмади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ҳамма ширин уйқуда. Дуранбекнинг қўрғонидаги бўрибосарнинг ҳам чакаги тинган.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

4 Ҳаракати ва ўзи тўхтамоқ, босилмоқ. *Ариқда жилдираб оқаётган сув тинди.* ▬ *Бўрон тинарди-ю, ҳамма ёқ сокин бўларди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Мактаб коридорида кечгача ғала-ғовур тинмайди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Эрталаб ёмғир тинган, ҳаво нақадар мулойим ва оромбахш.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Отишмалар секин-аста тинди.* Н. Сафаров, Оловли излар

Кўзи тинмоқ Боши айланиб, кўзи хиралашмоқ, кўз олди қоронғилашмоқ. *Тинкам қуриб, кўзим тиниб, зўрға шу ерга етиб йиқилдим, синглим.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Салимхон қарорни ўқиётганда, қўллари қалтиради, кўзи тиниб, боши айланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Унинг қўл-оёқлари титраб, ўтирган жойида кўзи тина бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Кўнгли тинмоқ** Хотиржам бўлмоқ, кўнгли тўқ, бўлмоқ. *Шундай десам, дўстим кўнгли тўлар деб, Нима бўлса, мендан кўнгли тинар деб, Шул сабабдан ёринг кўнглин сўрадим.* «Муродхон». **Ўзидан тинмоқ** Ўзини ўзи эплаб, ўз кунини ўзи кўрадиган бўлиб олмоқ, тинчимоқ. *Саломат тўғрисида бир нима демайман. Шукур, у ўзидан тиниб кетди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Она, ўзимдан тиниб кетганман, бироқ Сенинг дардинг қалбимни сиқади ҳар чоқ.* Ғайратий.

ТИНТИМОҚ 1 Титкилаб, ковлаштириб, ағдар-тўнтар қилиб, бирор нарса қидирмоқ. *Ёшликдан бошлаб келинойиларининг сандиқларини, қутиларини тинтиб ўрганган Нури, бу кун Гулнор уйини холи топиб, калити бурнида унутилган бир қутини очди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улар уйни тинтиб нимани қидиришган*? П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ман этилган ёки яшириб қўйилган нарсани топиш учун ҳамма ёқни қараб, текшириб чиқмоқ. *Бўронбек наганини ғилофига солди-да, милиционерни ёнига олиб, Мавлон аканинг уйини.. тинтиб чиқди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Чекистлар тинтиганда, ёнларидан шахсий ҳужжатларидан.. бўлак бирон ҳужжат топилмади.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТИНТУВ 1 Тинтимоқ фл. ҳар. н; *қ.* **тинтиш**

2 Ман этилган ёки яшириб қўйилган нарсани топиш учун тегишли органларнинг вакиллари томонидан ўтказиладиган расмий ахтарув. [*Зокирбой*] *Қишлоқда шубҳали одамлар тобора кўпаётгани, Равшан ҳали ҳам тинчимаганини айтиб, тинтув ўтказиш учун одам сўради.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Бозорлар, саройлар, қаландархоналар тинтув қилинди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *ҳуқ.* Жиноий иш бўйича далилларни олишга қаратилган тергов ҳаракати. *Тинтув қидирилаётган шахсни, шунингдек, мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.* «ЎзМЭ».

ТИНЧ 1 Ғала-ғовур, шовқин-сурон, тўс-тўполон ва ш.к. дан холи. *Атроф тинч. Ўткинчилар оз. Анҳор ёқасида, толлар орасида иккита оқ эчки ўтлаб юради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ажойиб кеча бўптими? Тинч, ойдин, шабада!* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Аҳмад*] *Шовқин-суронли, серқатнов кўчаларни ёқтирмас, сал айланиш бўлса ҳам, тинч, салқин хиёбонларни танларди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қизиқ, кечагина денгиз эди тинч, Қаърига олмоқда бугун зилзила.* Г. Жўраева, Иқбол.

2 Киши ҳаёти, фаолиятида унга салбий таъсир кўрсатмайдиган, безовта қилмайдиган, ғам-ташвишдан холи. *Меъмор* [*уста Нусратга*] *қолган умрини бир чеккада тинчгина, ғарибона ўтказмоқчи эканини.. айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қишлоқ кўчаси тинч, қизи бўлса кичкина эмас.. районда бўладиган кенгашларда қатнашиб, алламаҳалда уйига келадиган кунлари бўлган-ку.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ўртоғингизга айтинг, шу ҳужрасини биздан аямасин. Шу ерда тинчгина яшайлик!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўттиз йилдан бери шу ердамиз, ҳали бирон кори ҳол бўлгани йўқ. Бу ер тинч жой.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Уриш-жанжалсиз, туриш-турмуши осойишта. *Қўшнинг тинч – сен тинч.* Мақол. ▬ *Ўзларига тўқ, бекаму кўст, тинч яшаши, икки куёв кўрган, невералари бор.* Р. Файзий, Таъзим. *Нисо бувининг қизлари туфайли неча мартаба қўйди-чиқди бўлиб олди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

4 Беташвиш, осойишта ҳолат; тинчлик. *Шу* [*Саодатхон*] *келгандан бери тинчимиз йўқолди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ўзим майли, уй-ичимнинг тинчи кетди..* Т. Йўлдош, Аттанг. *Чунки бу қўлга тушмаса, яна одамларнинг тинчини бузиб, жиноятини давом эттираверади.* М. Юнусов, Қутилмаган ҳазина.

Кўнгли тинч Кўнгли хавотирлик, безовталикдан холи. *Худога минг қатла шукур,*

ўзимнинг кўнглим тинч, бировни бир нарса дейишликка ҳаддим йўқ. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ўзига тинч** Уй-рўзғори, ҳаёти меъёрида, ўзидан тинган. *Наби полвон ва бошқа ўзига тинчроқ кишиларнинг ҳовлилари меҳмон қўнарлик бир ҳолга келтирилган эди.* С. Айний, Қуллар. **Қулоғи тинч** Ташқи томондан бўладиган турли гап-сўз, машмашалардан холи. *Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога! Шаҳарда юргани ҳам дуруст экан, қулоғимиз тинч эди.* Уйғун, Навбаҳор.

ТИНЧИМОҚ 1 Барҳам топмоқ, тўхтамоқ, босилмоқ; тинмоқ (тўполон, шовқин-сурон ва ш.к. ҳақида). *Аъёнлар супада, одамлар ерда ўтириб, ғала-ғовур тинчигандан кейин, ҳоким одатдагича тилмоч орқали халқни огоҳлантирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ўша тўполон тинчигандан кейин бир ҳафта ўтувди ҳамки, мен уй пойлаб қолдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Тинчимайди чақалоқ доди, Хотин қуволмайди шарпани.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 Уриш, жанжал, нотинчлик барҳам топиб, осойишталик юзага келмоқ, тинчлик қарор топмоқ. *Ўзим майли, уй-ичимнинг Тинчи кетди, Талай гаплар бўлди, шукур, Тинчиб кетди.* Т. Йўлдош, Аттанг. *Юрт тинчисин десангиз, қуймучларига шартта тепиб, оқ фотиҳаларини бериш керак.* «Муштум».

3 Тинч тортмоқ, тинчи, ороми жойига келмоқ. *Хат келганда, тинчир жон, Хат — жуда азиз меҳмон.* Ҳ. Олимжон. *Уй ичи жим-жит, бемор энди тинчигандек бўлди.* Н. Фозилов, Дийдор. [*Гулнор*] *Гоҳ тинчиб, гоҳ қийналиб ётди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бирор иш, ният ва ш.к. ни амалга ошириб хотиржам бўлмоқ. *Қиз бола ота-онага омонат, узатиб тинчий*! С. Зуннунова, Янги директор. *Ана шу нозик меҳмон келгач, мезбон ҳам тинчиб, қаторга қўшилди.* «Муштум». *-Мактабдан тинчиб олдингиз, — деди Мели полвон кулиб. — Энди ўзингизни ҳам бир тинчитиб қўйсак бўлар эди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Иш-ҳаракат, интилиш ва ш.к. ни тўхтатмоқ, ундан тўхтамоқ. *Болам, ҳеч бўлмаса дам олиш куни бир тинчисангиз-чи.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Бирдан улоқчилар сув қуйгандек тинчиб, тортиш ўрнида тўпланиб қолдилар.* А. Қодирий, Улоқда. *Қизимни тилга олдингиз, раис, тўғри, ўзи ҳам тинчимайди, дангасаларга ҳам тинчлик бермайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Кўнгли (*ёки* **юраги**) **тинчимоқ** Безовталиги, хавотирлиги кетиб, кўнгли таскин топмоқ. *Шербек қўлига билет текканидан сўнггина бир оз кўнгли тинчиди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Пайт топаман. Гаплашаман. Бўлмаса менинг юрагим тинчимайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қулоғи тинчимоқ** Беҳуда, бўлар-бўлмас гап-сўз, овозлардан қутулмоқ, уни эшитмайдиган бўлмоқ. *Шу одам маҳалламиздан кўчиб кетди-ю, қулоғимиз тинчиди.* ▬ *Онахон растадан қайрилиб, темирчилик маҳалласидан ўтгандан кейингина қулоғи бир оз тинчиди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТИНЧИТМОҚ 1 Тинчимоқ фл. орт. н. *Жанжални тинчитмоқ. Шовқин-суронни тинчитмоқ. Уришни тинчитмоқ.* ▬ *Шу кичкинагина кулумсираш Ўзбек ойимни анча тинчитди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жўрахон қўл кўтариб, халойиқни тинчитди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Балки директор қизишиб кетганимни кўриб, тинчитиш учун қуруқ ваъда қилган бўлса-я.* Газетадан. *Отинойи уни* [*Холмуродни*] *тунда ҳам алламаҳалгача тинчитмади. Унга пахта чувитди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Саранжом-саришта қилмоқ, битирмоқ. *Хотиржам бўлинг, ҳамма ишни ўзимиз тинчитамиз.* ▬ *Магазин мудири Бобожоновнинг 122 сўм 40 тийинлик кўйлакни 163 сўмдан пуллаётгани тўғрисидаги актни ўз қўлимга олиб, тинчитиб юбордим.* «Муштум».

3 *с. т.* Йўқ қилмоқ, бартараф қилмоқ. *Косадаги қаймоқни, худди даҳага кирган қуртдай, бирпасда тинчитдик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *-Сен тинчитмасанг.. бошқалар сени тинчитиди. -У нима деганингиз? -Яъни роҳатини буза берсанг, эринг сени қўяр!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу ярамасни* [*Султонбекни*] *тинчитиб қўя қолсам, нима дейсан? — у этиги қўнжига солиб қўйган дудама ханжарига ишора қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНЧЛАНМОҚ 1 Ҳаяжонини, аччиғини босиб ёки таптидан, ҳовридан тушиб ўзини тутиб олмоқ, ўзини босмоқ. *-Тинчланингиз, Отабек! — деди қушбеги.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ойимхон ювош товуш билан уни тинчланишга чақирди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

2 Ташвиш, дард-алам, хавотирлик, безовталикдан холи бўлмоқ, тинч тортмоқ. *Касал бир қимирлаб, кўзини очди ва бош кўтариб, тиланчи хотинга қарагандан кейин, яна бошини ёстиққа қўйиб тинчланди.* С. Айний, Қуллар. *Отабекнинг пишиллаб ухлаган товушини эшитиб, [Ҳасанали] бир даража тинчланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампирнинг уйқуда эканига ишонгач, юраги бирдан тинчланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Шовқин-сурон, жанжал, ҳаракат ва ш.к. лардан тўхтамоқ, тинч ҳолат юз бермоқ. *У, трибуна олдига келган бўлса ҳам, беш минутча сўзлаёлмай, халқнинг тинчланишини кутиб турди.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Қўлларининг кескин ҳаракати билан халққа тинчланишни буюришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИНЧЛИК 1 Ғала-ғовур, шовқин-сурон кабилардан холи, тинч ҳолат. *Ҳамма ёқ типтинч.. ора-чора узоқдан келган бола йиғиси бу тинчликни бузгандек бўлар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Аммо Салимнинг кутгани чиқмади, қўрғонда аввалгидай тинчлик, жимжитлик.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кишини безовта қилмайдиган, тинч, осойишта ҳолат. *Уч кундан бери ямоқчининг уйида тинчлик йўқ. Болалари қўрқиб, кўчага чиқмайдилар.* Ойдин, Ҳикоялар. *Гулнор шу топда ёлғизликни, тинчликни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Уриш-жанжалсиз, тинч ҳолат; ҳамма нарса меъёрида, жойида (одатда, ҳол-аҳвол ҳақидаги сўроққа жавоб тарзида қўлланади). *-Хўш, Содиқ полвон, ишлар қалай, Тошкентда нима гаплар бор? -Нима гаплар бўлсин, Тошкентда тинчлик. Баҳона билан Тошкентни ҳам кўриб олдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳа, Бўтабой ака, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз? Тинчликми? -Тинчлик, — деди Бўтабой ва отнинг жиловини унинг қўлидан олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Уруш, ўзаро зиддиятли тўқнашувлар ва ш.к. дан холи шароит, тинч шароит. *Бутун дунёдаги бизга ўхшаш меҳнаткашлар билан бир сафда урушга қарши, тинчлик учун курашмоқ бурчимиз.* Ойбек, Нур қидириб. *Тинчлик учун кураш тобора қизғин тус олмоқда. Аёлларга ҳам, болаларга ҳам — ҳаммага тинчлик керак.* «Саодат».

Тинчлик бермаслик 1) ўз ҳолича, эркин иш тутишга қўймаслик, турли йўл, хатти-ҳаракатлар билан безовта қилиш. *Тўғри, улар бой, жуда бой. Аммо улар Гулнорга тинчлик бермайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Девонага бир пиёла чой ичишга ҳам тинчлик бермадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) руҳан тинчлигини бузмоқ, тинчини олмоқ. *Бу савол Бобоқулга маҳкам ёпишиб олди, бу тўғрида нечоғли ўйламасликка тиришмасин, юрса ҳам, турса ҳам тинчлик бермасди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Орадан қанча йиллар ўтса ҳамки, ҳамон мана шу ҳикоя менга тинчлик бермайди.* Газетадан. **Тинчлик борми?** Хархашали, нотинч ҳолатдан норозиликни ифодалайди. *-Ҳой, тинчлик борми, йўқми? -Ахир бола касал-ку. -Касал бўлса, йиғлатмагин.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ТИНЧЛИКСЕВАР Уруш бўлмаслигини, тинчликни, мамлакатлар, халқларнинг тинч-тотув яшашини истайдиган ва шунга интиладиган. *Тинчликсевар халқлар.* ▬ *Тинчликсевар элимнинг Фарзандиман — бахтиёр.* Ю. Ҳамдам. *[Ўзбекистон] Изчил тинчликсевар сиёсати билан барча тинчликсевар халқларнинг муҳаббат ва ҳурматини қозонди.* Газетадан.

ТИНЧЛИКЧА *рвш.* Уриш-жанжал ёки тўполон қилмасдан; бирор ғалва чиқармасдан; тинч йўл билан. *Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқиб кетсин*! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИНЧСИЗ Тинчи, ороми йўқ, бетинч. *Тинчсиз тун.* ▬ *Бу жумла келасидаги англашилиб битмаган, лекин бўлиши аниққа ўхшаган ярамас ва тинчсиз бир ҳаётнинг гўё муқаддимаси эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИНЧСИЗЛАМОҚ *кам қўлл.* Тинчлигини бузмоқ, бетинч, безовта қилмоқ, ташвишга солмоқ. *-Бизни кечирасиз, бек ака! — деб Раҳмат узр айтди. -Вақтсиз келиб, сизни тинчсизладик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИНЧСИЗЛАНМОҚ Тинчлигини йўқотмоқ, бетинч, безовта бўлмоқ; ташвишга тушмоқ. *Унсин совуқдан тинчсизлана бошлади. Оёқларини ерга уриб, қўлларини пуфлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Отабек қутидорга:*] *Фақат сизнинг тинчсизланишингиз ва мардумнинг юқори-қуйи сўзи бўлмаса, сизга бошқа зарар бўлур, деб ўйлай олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Она*

нималидир пайқаб тинчсизланди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТИНЧСИЗЛИК Тинчсиз ҳолат, нотинчлик; безовталик. *Кунлар ўтган сари тинчсизлигим оша борди.* М. Зайниддинова, Ким эди у, демасангиз айтаман. *У* [*Ҳакимбойвачча*] *юртдаги тинчсизликнинг сабабини диннинг сусайганидан, уламоларнинг халққа раҳбарлик қилмаганидан кўрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИНҒ I *айн.* **тинг.** *Тинғ ер.*

ТИНҒ II *тақл. с.* Торли мусиқа асбоблари торини чертганда чиқадиган товушни билдиради.

ТИНҒИЛЛАТМОҚ Тинғ-тинғ деган товуш чиқармоқ; торли мусиқа асбоби торини чертмоқ. *Мухторхон токчадаги дуторни олиб тинғиллатди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Алёша гитарасини олиб тинғиллатиши билан, дарров унинг атрофига йиғилдилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Хиёл қўлига дуторини олиб, созлаш учун тинғиллата бошлади.* И. Раҳим, Тақдир.

ТИНҒИР-ТИНҒИР *айн.* **тинғ-тинғ.** *Бахмал тинғир-тинғир чертиб, уйдан дутор кўтариб чиқди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТИНҒ-ТИНҒ Тинғ II с. такр. *Энди магнитофон вағилламасди, ўрнига тори созланмаган рубобнинг тинғ-тинғи билан қасқони тоб ташлаган чирманданинг данғ-данғи эшитиларди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТИНҒШАМОҚ *шв.* Тингламоқ, эшитмоқ. *Куёвнинг аҳволини билгиси келди, «Гузарга чиқай, одамлардан тинғшаб биламан», деди-да, кўча томон юрди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТИП [*юн.* typos – из, белги; шакл, намуна] **1** Муайян бир тур (гуруҳ)даги нарсаларнинг муҳим белгиларга эга бўлган намунаси, шакли, модели. *Бизнинг вазифамиз – чўлда шаҳар типидаги посёлкалар қуриш, обод қишлоқ барпо этиш.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Тупроқлар шўрланиш типига кўра, асосан, хлор-сулфатли, баъзан сулфат-хлорли бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 *биол.* Ҳайвонлар систематикасида: келиб чиқиши жиҳатидан ўзаро қариндош, ягона тузилиш шаклига эга бўлган ҳайвонлар синфларини бирлаштирадиган олий систематик категориялардан бири. *Бўғимоёқлилар типи.*

3 Ижтимоий, касбий, ахлоқий ва б. белгиларнинг умумийлигига кўра бирлашадиган кишиларнинг ёрқин вакили. *Камтар, ижтимоий тадбиркор – илғор кишилар, халқ вакили сифатида, ижтимоий тараққиётга улкан ҳисса қўшган янги типдаги одамлардир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Адабиёт ва санъатда: бир турдаги кишиларнинг характерли, умумлашма белги-хусусиятларини акс эттирадиган, мужассамлаштирадиган образ. *Теманинг қаҳрамони қилиб олинган типнинг, меҳнатни санъат даражасига кўтара олган одамнинг характерини бўрттириб бера олиш керак.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўзбек прозасида прототипдан адабий тип яратишнинг ранг-баранг кўринишлари бор.* «ЎТА».

5 *с. т.* Ўзига хос (кўпинча салбий) хусусиятга эга бўлган одам. *Мана бу типга отни бер десам, бермади. Мени тутиб сўкди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ТИПИК 1 Маълум бир типга хос бўлган; маълум типдаги нарса ва ҳодисаларнинг характерли белги-хусусиятларини ўзида акс эттирадиган, мужассамлантирадиган. *Ҳамза ўзининг драматик асарларида.. ўзбек аёлларининг типик образини яратади.* «ЎТА». *Биз картинамизнинг асосий масаласи қилиб механизация масаласини олмоқчимиз. «Пахтакор»* [*колхози*] *механизация жиҳатидан ҳам типик, шундоқ эмасми?* А. Қаҳҳор, Картина.

2 Бирор нарса учун хос, характерли. *Нотиқнинг шаблон нутқига хос типик элементларни топиш.. керак бўлади.* «ЎТА». *Ўтимлилик ҳам ўзбек тили ҳолат феъллари семантик тузилиши учун типик эмас.* «ЎТА».

ТИПИКЛАШТИРМОҚ 1 Бир типга келтирмоқ, типи жиҳатидан таснифламоқ, бир хил қилмоқ. *Типиклаштирилган бинолар.*

2 *ад.* Типик белгилар ва шаклларда гавдалантирмоқ. *Типиклаштирилган образ.*

ТИПИКЛИК 1 Типик белги-хусусиятга эгалик. *Ижобий образларнинг типиклиги.*

2 Адабиёт ва санъатда: хусусий ва умумий ҳодиса, воқеаларнинг бадиий образлардаги бирлиги, умумлашмаси. *Зотан, чинакам бадиий асарда ғоявийлик, типиклик, эмоционаллик ва ижтимоий амалиёт билан алоқадорлик диалектик яхлитликни ташкил қилади.* «ЎТА».

ТИПИЛЛАМОҚ *айн.* **типирламоқ.** *Орадан кўп ўтмай,* [*имтиҳондан*] *«Ўтоларми-*

канман, билмайдиган қийин савол тушиб қолса, нима қиламан», деб типиллаб турган Раъно ҳам кириб, «тўрт» олиб чиқди. Мирмуҳсин, Умид.

ТИПИРЛАМОҚ 1 Жон талвасасида ўзини ҳар ёнга урмоқ, сапчимоқ, питир-питир қилмоқ, питирламоқ, типирчиламоқ.

2 *кўчма* Тез, шошилинч ёки безовта ҳаракат қилмоқ, шошилиб питирлаб қолмоқ. *Нурхон типирлаб қолган Равшан полвонга тикилди.* О. Ёқубов, Ларза.

ТИПИР-ТИПИР *айн.* **питир-питир**. *..лўппигина, кулдиргичли ширин қиз типир-типир юриб бориб, онасини «ачом» қиладиган бўлди.* А. Мухтор, Чинор.

ТИПИРЧИЛАМОҚ 1 *айн.* **типирламоқ.** *Нозик, ранг-баранг парвоналар, капалаклар лампа атрофида айланар, гулдор қанотларини шишага уриб типирчилар, гиламга енгилгина қулаб, тинар эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Адолат типирчилаб, унинг* [*Усмонжоннинг*] *қўлидан чиқди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Сувонжоннинг қўйнида ётган улоқ энди типирчиламай қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Нима қилишни билмай қолмоқ, ўзини йўқотиб, гангиб қолмоқ. *Моҳидил унинг* [*Латифжоннинг*] *келишини кутмаган бўлса керакки, жуда типирчилаб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Шолининг аравага ортилишини эшитган бой типирчилаб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Жуда шошган (шошилган) ҳолда бирор нарса ҳаракатига тушмоқ. *Бир зум ўтарўтмас халат кийган докторлар.. типирчилаб қолишди.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. *Олти ойгача ташвишланмай юриб, энди типирчилайсизми?!* «Муштум».

ТИПИРЧИЛАНМОҚ *айн.* **типирчиламоқ 1**. *Мўмин мирзо бор кучи билан типирчиланди. Лекин темир панжадан қутулиш имконсиз эди.* Ойбек, Навоий. *Қодир, бургут чангалига тушган қўйдай типирчиланарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТИПОВОЙ [«тип **1**» с. дан] Муайян бир тип, намуна, шакл ёки андозага мос, тўғри келадиган, шунга асосланган, намуна бўладиган; намунавий; андозавий. *Типовой лойиҳа. Типовой мактаб биноси.* ▬ *Бошлиқ.. куни кеча қўлдан чиқарилган типовой уйлар ёнига етиб келди.* Газетадан.

ТИПОГРАФИЯ [*юн.* typos – из, шакл + grapfo – ёзаман] Китоб, газета ва б. турли хил нашрларни босиб чиқарадиган корхона; босмахона. *Ушбу поезд составни махсус типография, киноаппарат, кўргазмалар ортган ўн уч вагондан иборат эди.* «ЎТА».

ТИПОЛОГИК Нарса ва ҳодисалар типига хос бўлган; типологияга алоқадор, оид; муайян нарса ва ҳодисаларга оид белгиларнинг умумийлигини, муштараклигини аниқлашга, белгилашга асосланган. *Тилларнинг типологик таснифи.* ▬ *Муаллифлар типологик ўхшашлик, шунингдек, регионал генетик ёки контакт муносабатларнинг мавжудлиги билан изоҳланадиган фактларга даҳлдор масалаларга мурожаат қилганлар.* «ЎТА».

ТИПОЛОГИЯ [*юн.* typos – белги, из; намуна, шакл, + logos – фан, таълимот] **1** Объектлар тизимини қисмларга ажратиш ва уларни умумлашма модель ёки тип ёрдамида гуруҳлаштиришдан иборат илмий метод.

2 *тлш.* Тил тузилишининг муҳим белгиларини айрим олинган тиллар қурилишини ўрганиш, уларни ҳар томонлама таққослаш асосида аниқловчи ва умумлаштирувчи тилшунослик бўлими.

ТИППА-ТИК 1 Адил, тик, тикка. *Типпа-тик нарвон. Типпа-тик ўсган дарахт.* ▬ *Жўранинг типпа-тик туриши Носирнинг ғашини келтирди.* Н. Назаров, Замон.

2 *кўчма* Ҳеч тап тортмасдан, дангал. *У* [*Раҳимов*].. *маъмурий ходимлар билан типпа-тик олишар, тортишар эмиш.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТИПРАТИКАН Усти ва ёнлари игнасимон тиканлар билан қопланган ҳашаротхўр сутэмизувчи кичкина ҳайвон; кирпи.

ТИР I [*ф.* تیر – ўқ, камон ўқи] (*и – чўзиқ*) *эск. кт.* Ўқ, камон ўқи. *Тир отмоқ.* ▬ *Ҳар балодан асрагувчи энг муҳим, қиммат яроғ – Тири ваҳшат, ханжари зиллатга қалқондир китоб.* Ҳамза.

Тири мижгон *поэт.* Киприк ўқи; ўқдек ўткир, шўх қараш хақида.

ТИР II [*фр.* tir < tirer – отмоқ] (*и – чўзиқ*) Камон, тўппонча, милтиқ каби отиш қуроллари билан нишонга қараб отиш машқлари ўтказиладиган, махсус жиҳозланган жой.

ТИРАГИЧ *айн.* **тирак**. *Бу гал ҳам ўзи олдин ўтди. Унга ягона тирагич бел бўлди.* Ойдин, Гулсанам.

ТИРАЖ [*фр.* triage < tirer – тортмоқ, чўзмоқ; судрамоқ] **1** Заём ёки лотереянинг ютуқлари ўйини. *Тиражда ҳаммаси бўлиб 569600 та пул ва буюм ютуғи ўйналади.* Газетадан.

2 Китоб, журнал, газета ва ш.к. нинг босилиб чиққан нусхаларининг умумий сони, адади. *Газетанинг тиражи. Китобнинг тиражи.* ▬ *Нашр қилинадиган китоблар, журналлар ва газеталарнинг тиражи анча кўпаяди.* Газетадан.

ТИРАК 1 Нарсани бирор ҳолатда суяб, кўтариб, тутиб туриш учун қўйиладиган таянчиқ; тиргак, тирговуч, тирагич. *Деворга тирак қўймоқ.* ▬ *Тирак қўйиб маҳкамлангандан кейин, унгур ёқдаги учидан ерга шовун ташланади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Қўллаб-қувватлайдиган, ёрдам берадиган куч; ишончли ҳимоячи, таянчиқ. *У – оиламизнинг тираги.* ▬ *Қанчалик қийин бўлмасин, Низомжон қишлоқда қолишга, кексайиб қолган дадасига тирак бўлишга аҳд қилиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Мирҳайдарнинг бахтига, катта ўғли Мирсаид йигитча бўлиб, отаси ёнига кирди: Тирак бўлди – лой ийлаб, чарх тепди..* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ТИРАЛМОҚ 1 Тирамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Деворга тиралган нарвон. Эшикка тиралган тамба.* ▬ *У, келганларга пешвоз чиқмоқчи бўлиб, тирсагига тиралиб, ўрнидан тураётган эди..* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Суянмоқ, таянмоқ. *Икромжон айвонга келиб, бир қўлига тиралиб ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Бизга ҳам ўша юмшоғи керак, – деди афанди ва ҳассасига тиралиб, вагонга чиқди.* «Муштум».

ТИРАМА, тирамо(ҳ) [*ф.* تیره‌ماه – хира ой; куз] *шв.* Куз. *Орила билмади тоғларнинг қори, Тирамада пишар боғнинг анори.* «Кундуз билан Юлдуз». *Тўғриси, бунга кеч тирамода экинзорига гўнг сепиб чиқиши ҳам пойдевор яратди.* «Ёшлик».

ТИРАМОҚ 1 Ўзини ёки бирор нарсани тутиб туриш учун (тиргак, таянч сифатида) қўймоқ. *Шотиларни секин тикладилар, учини девор қиррасига тираб қўйдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Собир бурчакка тираб қўйилган дуторни олиб, икки ўртоқ ўртасидаги баҳсни тўхтатишга уринди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Қора Аҳмад бир қўлини ерга тираб, оҳиста кўтарилди..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор томонга туташтирмоқ, қадамоқ. *Пичоқ тирамоқ.* ▬ *..ҳовлининг кунботар томонида харобаликдан озгина берида бўлган бояги йўлакка тираб солинган икки даричали бир уй..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Улар [Низомжон билан Дилдор] бошларини бошларига тираб, сурат олдириб ҳам келишди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Оёқ тирамоқ Бирор иш, маслаҳат, муомалага кўнмаслик, ўз айтганидан қайтмаслик. *Шуни янгисига алмаштириб берилмаса, машинани қабул қилмаслигини айтиб, оёғини тираб турибди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Сиз ҳам энди оёғингизни тираб туриб олманг, бирон муомалага келинг.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Юзига оёқ тирамоқ** Ҳурматига зид иш қилмоқ. *Қизим, Руҳилло юзига оёқ тирагани учун, шундай ташвишларга учраяпти..* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Ўз пирини беобрў қилган, юзига оёқ тираб кетган банданинг ҳолига вой!* «Муштум».

ТИРАН *қ.* **тийран**. *Биз.. хўжалик раҳбари тўғрисида гапирганимизда, кўз олдимизда билимлари тиран, жонкуяр кишининг сиймоси гавдаланади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қай дил чамани бой, жозиб нафаси. Кимнинг фикри ўткир, тиран, бокира?* Зулфия.

ТИРАНДОЗ [*ф.* تیرانداز – ўқ отувчи] Камондан ўқ отувчи; камонкаш, мерган. *Отряд тирандозлар ҳимоя қилиб турган тўсиқларни ёриб ўтиб, катта бозорга яқинлашди.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан.

ТИРАНДОЗЛИК 1 Тирандоз иши, касби; мерганлик.

2 Камондан ўқ отиш машқи ёки санъати; мерганлик. *Алишер.. тарих, фалсафа, мантиқдан бошлаб тирандозликка қадар ҳеч бир соҳани қолдирмаган эмиш.* Ойбек, Навоий. *Бу томондаги икки майдонда ҳарбий машқ – отда чопиб, новда қирқиш, тирандозлик, пилта милтиқ отиш каби машқлар ўтади.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ТИРАҚАЙЛАМОҚ Тура қочмоқ, қочиб қолмоқ, ҳеч нарсага қарамай чопиб қолмоқ. *Тирақайлаб қочмоқ.* ▬ *Аҳмад жўрттага сакраб, ўрнидан турди. Иккала ўспирин тирақайлаб қочиб қолди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мушт еган Шолғом махсум инвалиднинг қўлидан омон қутулганига шукур қилиб, тирақайлаганича жўнаб қолибди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТИРБАНД Киши ёки нарсалар билан лиқ тўлган, бутунлай банд, бўш жой йўқ. *Кўчалар тирбанд. Театр биноси олдида одамлар тирбанд.* ▬ *Йўлкалар, трамвай, троллейбуслар.. унча тирбанд эмас, аммо катта кўчаларда ҳали машиналар оқими авжида.* Мирмуҳсин, Умид. *Пайшанба ва жума кунлари дўкондорларнинг яна бозори қизир, самовархона ва ошхоналар одамга тирбанд бўлиб, юриш қийин бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Махсус токчалар тирбанд китоблардан синаман дейди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТИРГАК *айн.* **тирак.** *Ёғоч тиргак. Темирбетон тиргак.* ▬ *Йиқилиб кетмасин, деб тиргак қўйилган бу ҳовлидаги ягона хонанинг орқасига бориб, паст товуш билан: -Қулмурод! Ў, Қулмурод! — деб чақирди.* С. Айний, Қуллар. *Шу оғир кунларда бир-биримизга тиргак бўлмасак, қачон бўламиз!?* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Уларнинг оллоҳи — пул, пайғамбари — ер, имони — мол-мулк. Ҳаётининг ана шу уч тиргагини истаган йўл билан муҳофаза этишга доим тайёр улар.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ТИРГИЗМОҚ *кам қўлл. айн.* **тирилтирмоқ**. *Ғамли кетган Муқимийни тиргиздинг, Озод халқнинг қаторига киргиздинг.* Ҳабибий.

ТИРГОВ *айн.* **тирак**. *Тиргови чириб, девор қулаб тушди.* ▬ [*Тракторчи:*] *Шундай пайтда бир-биримизга тиргов бўлмасак, ҳар ким ҳар ёққа қийшайиб, иш ора йўлда қолиб кетади.* С. Маҳкамов, Катта рулда.

ТИРГОВУЧ *айн.* **тирак.** *Ёғоч тирговуч. Олмаларга тирговуч қўймоқ. Ота-онага тирговуч бўлмоқ.* ▬ *Ер қатлами силжиб шитирлайди, йўғон тирговучлар қисирлаб синади.* С. Аҳмад, Мўтти. *Бир кун пушаймон бўлмагин, дейман. Тилмочнинг қозикалондай тирговучи бор, билиб қўй!* Ойбек, Улуғ йўл. *Ҳеч ким якка ташламас қадам, Кимдир кимга бўлади тирак. Бир-бирига суянар одам, Тирговуч ҳам тирикка керак.* Тўлқин, Очиқ хат.

ТИРЕ [*фр.* tiret — чизиқча < tirer — чўзмоқ, тортмоқ] *тлш.* Узун горизонтал чизиқча (—) шаклидаги тиниш белгиси.

ТИРЖАЙМОҚ Овоз чиқармай, кўз, лаб-лунж ҳаракати билан кулги ифодаламоқ, мийиғида кулмоқ. *Фазлиддин тиржайиб, эгри-бугри тишларининг оқини кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тиржайиб туриб, жонини олди, йўқ, чаёнга айланиб, кўксига заҳарли найзасини санчди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йигитали бўлажак қайнона юзидаги табассумни кўриб, ўзи ҳам зўрма-зўраки тиржайди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Мен тиржайиб турган эканманми, билмадим, тўсатдан рўпарамда тўхтаб: -Хўш, нимага куласан, солдат? — деб сўради.* О. Ёқубов, Излайман.

ТИРЖИҚ 1 Доим тиржайиб турадиган; тиришиқ, бурушиқ.

2 Жуда ориқ, қотма.

ТИРИК 1 Ўлмаган, ҳали яшаб турган; ҳаёт, барҳаёт. *Иккита тирик катта балиқнинг бўғзидан каноп ўтказиб, ҳовузга ташлаб қўйилди.* Мирмуҳсин, Сўгал. «*Э, онажонгинам, қани энди, сен ҳам шу ерда тирик бўлсанг-у, ўз ўғлингнинг қандай одам бўлганини кўрсанг», деб хаёл қилди* [*Элмурод*]. П. Турсун, Ўқитувчи. *Алҳамдулиллоҳ, кўрдим, тирик экансан, ноқобил болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсига оид; жонли. *Тирик табиат. Тирик организм.*

3 Ўзининг янги вақтдаги кўринишини, тароватини йўқотмаган, сўлмаган (ўсимлик, унинг гули, меваси ва ш.к. ҳақида). *Сабзининг тирик-тиригини териб олмоқ. Бодринг сувда тирик туради.*

4 Куч-қувватини йўқотмаган; бардам, тетик. [*Бувим*] *Тириккина кампир, хасса тутмайди.* Ойбек, Болалик.

5 Тийрак; серғайрат, ҳаракатчан. *Ҳамида ўн олти ёшлардаги тирик, қувноқ қиз.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

6 *кўчма* Яшаётган, сақланиб қолган, жонли, барҳаёт. *Азим тоға билан суҳбатлашган одам уни тирик тарих дейди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *«Бу тахту салтанатлар беному нишон йўқолур, фақат меъмору мусаввирлар яратган зўр санъат асарлари тирик қолур», деган ақидалар бизга маълум.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

7 *кўчма* Яхши пишиб етилмаган (асосан овқатга солинган дон ҳақида). *Маставанинг гуручи тирик, бир оз қайнасин. Мош ҳали тирик.* ▬ *Хаёлим қочиб, кабобни қайиш қилиб қўйибман. Ош ҳам тирик бўлибди.* П. Қодиров, Қадрим.

Кўз тиригида Ҳаёт вақтида, ҳаётлигида, ўлмасдан. [*Она:*] *Кўзимнинг тиригида орзу-*

ҳавасини кўрсам, дейман болагинамнинг. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Энди кўзимнинг тиригида энг кичик Юсуфжон укангни ҳам хатна қилдириб қўйсам, дейман.* «Бўтакўз». **Тирик вазн** Ҳайвоннинг тириклайин тортилгандаги оғирлиги. *Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни ўртача 400 килограммга етди.* Газетадан. **Тирик етим** Ота-онаси ўлмаган, аммо улардан бирор сабаб билан жудо бўлган бола ҳақида. [*Шарофат:*] *Болам тирик етим бўлмасин, деб келдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тирик жон** Яшаб турган инсон ҳақида, унга нисбатан қўлланади. *Ҳай, майли, тирик жон нималарни кўрмайди! Нима бўлса, кўраверамиз!* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тирик товон** *қ.* **товон** II.

ТИРИКЛАЙ(ИН) *рвш.* Тирик ҳолида, тириклигича; ўлмасдан ёки ўлдирмасдан. *Қуённи тириклай(ин) тутмоқ.* ▬ *Қутулмадим қайғу, кулфат, аламдан, Тириклай айрилдим икки боламдан.* «Ширин билан Шакар». *..юздан ортиқ азиз ота-оналарни тириклайин куйдирибди ваҳшийлар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Агар шамол қўзғалса, қум* [*одамларни*] *тириклай кўмади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТИРИКЛИГИЧА *айн.* **тириклай(ин).**

ТИРИКЛИК 1 Тирик ҳолда (ҳаёт) эканлик. [*Гулнор:*] *У тириклигимни, сиз билан бир ёққа қочганлигимни секингина ойимга сўзласин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тириклигида уни кўп уриб азоблаган ва унинг дунёга келгани учун худодан ҳам норози бўлган Бувинисо энди фарзандининг жасади устида.. кўзларидан сел-сел ёш тўкарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳаёт, яшаш жараёни, ҳолати. *Севгисиз тириклик андуҳ, бефараҳ, Мангу шарофатли маърака бу кун.* Р. Парфи, Кўзлар. *Уни тарк этган тириклик нишоналари қайтди, оғзидан чиққан биринчи сўз: «Вой ўлай!» нидоси бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Тириклик — мавж уриб, тўлқинланиб оқаётган зўр бир дарё. Бу дарёда сузмайдиган одам йўқ.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Кун кечириш, яшаш, тирикчилик; ҳаёт. *Чўнтакларида ҳемири қолмаган ака-ука тириклик тўғрисида ўйлай бошладилар.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Ўрнимдан туриб, отам экиб кетган ярим танобча ердаги жўхорини қайириб олишга ва буни пишириб, тириклик ўтказишга эринар эдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

Кўз тириклигида *айн.* **кўз тиригида** *қ.* **тирик.** *Кўзим тириклигида шу қизимнинг ҳам ҳаётини тинчитиб, тўйини ўтказсам, армон бўлмасди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТИРИКТОВОН (*тўғриси* — **тирик товон**) *қ.* **товон** II.

ТИРИКЧИЛИК 1 Ҳаёт кечириш, кун кўриш, яшаш. *Тирикчилик учун кеча-кундуз тинмасдан меҳнат қилган ва юрагида шунча ғамни кўтарган бу бели букик, елкаси чиқиқ чолни.. сўз билан юпатишнинг.. маъносизлигини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тирикчилик янада оғирлашди. Бойлар ҳам қарз бермай қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Одамлар тирикчиликдан қийналиб, ишга оч-наҳор қатнаётган ўша машаққатли кунларда Пошша хола бошқалардан тўқ ва бут яшади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Кундалик рўзғор ва у билан боғлиқ иш-юмуш, ташвишлар. *-Орзуларим бор, журналист бўлишни истайман, — деди* [*Аҳмад Ҳусайн*], *— лекин дардисар тирикчилик тўсқин.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳар кимнинг ўз тирикчилиги бор. Мана, ҳут кирди, деҳқоннинг оёғига қурт кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Энди уй-уйингизга тарқалингиз, тирикчиликдан қолмангиз, ўртоқлар!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Тирикчилик қилмоқ Ҳаёт ўтказмоқ, кун кечирмоқ; яшамоқ. *Қишлоқда тирикчилик қилиш жуда қийин. Очлик, яланғочликка чидаб, тирикчилигимизни қилар эдик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кичкина дўкончамдан келган даромад билан тирикчилик қилиб бўлмасди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ТИРИЛЛАМОҚ Давомли ёки қисқа-қисқа, узуқ-узуқ «тир» этган овоз чиқармоқ; «тирр-тирр» этмоқ. *Шим тириллаб йиртилди.* ▬ *Жарнинг ўнг ёғида пулёметларнинг муттасил тириллаши.. автоматларнинг тасир-тусур ўқ ёмғири бениҳоя эди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Жимликни темир йўл ёқалаб ўрмалаётган тракторнинг тириллаши бузади.* А. Тўхтахўжаев, Беғам тракторчи.

ТИРИЛМОҚ 1 Диний тасаввурга кўра, жони кириб, қайтадан яшай бошламоқ. *Мана шу саллалилардан бири бориб, бир марта «суф» деса, унинг онаси тирилиб кетади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Ўлим ёқасидан қайтмоқ, ўлимдан қолмоқ; қайта жонланмоқ. *Ҳа, мен уч*

марта ўлиб, уч марта тирилдим. А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Оналар шундай.. ўлим билан олишувда енгиб чиқади-ю, шундан бошлаб ўзи оламдан кўз юмгунча, болам деб, неча бор ўлиб, неча бор тирилади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Муртазиннинг гаплари.. тирик мурда бўлиб қолган одамларни қайта тирилтирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Қайтадан кўкариб ўса бошламоқ, жонланмоқ (сўлиган ўсимлик ҳақида). *Кун иссиғида шалпайган кўчатлар кечга бориб тирила бошлайди.* ▬ *Тагидан сув ўрмалаган ҳар туп ғўза тирилмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *кўчма* Қайтадан ишга тушмоқ; юришиб кетмоқ, жонланмоқ. *Савдо иши анча тирилиб қолди.*

Ўл десанг — ўлади, тирил десанг — тирилади Нима деса, шуни қиладиган, итоаткор киши ёки ҳайвон ҳақида. [*Фазлиддин*:] *Хизматкор, малай қандай бўлса?! У танини, жонини хўжайинлардан аямаса, нинадай нарсага хиёнат қилмаса, ўл деса — ўлса, тирил деса — тирилса*! Ойбек, Танланган асарлар. **Ўлиб-тирилмоқ** Бор кучи билан ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ. *Ўлиб-тирилиб ишламоқ.* ▬ *-Қиз бола кўча-кўйга чиққанда, қилнинг устида юргандай бўлади. Ҳеч ким ёмон демасин, деб ўлиб-тирилади, — деди Чиннихон Аброрга.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш.

ТИРИНКА [*фр.* tricot] *с. т.* Уст кийим учун ишлатиладиган ип ёки ярим жун газлама. *Махсум эса эгнидаги тиринка шимни ечиб.. булоқда ювинди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тиззалари титилиб кетган эски тиринка шимнинг почаларидан сув сирқиб оқар.. эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ТИРИШ 1 *от* Терининг бурушуви натижасида ҳосил бўладиган чуқур из; ажин, бурушиқ, тиришиқ. [*Ҳамидахоннинг*] *Нотинч юзида жилмайиш эмас, тириш пайдо бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Фолбин ингичка, узун, қоп-қора ҳабашдай, кўзлари ғилайнамо, сирли қиёфадаги юзи қат-қат тириш.* Ойбек, Болалик.

2 *сфт.* Бурушган, тиришган. *Опам қопқорайиб кетган тириш қўллари билан юзини беркитди-да, йиғлаб юборди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТИРИШИБ-ТИРМАШМОҚ Куч-ғайратини аямасдан, астойдил ҳаракат қилмоқ, жон-жаҳди билан уринмоқ. [*Кампир*:] *Ҳеч кимга хор-зор бўлмай, деб тиришиб-тирмашиб ётибман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Азаматлар хўп тиришиб-тирмашиб, бригада ерини уч йилда дашт ҳисобига икки баравар кенгайтиришди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

ТИРИШИШ *тиб.* Мускулларнинг тўсатдан ғайриихтиёрий равишда қисқариши.

ТИРИШИҚ 1 *от* Ажин босган, бурушган, тиришган жой; бурма, қат, ажин. *Юз тиришиқлари.*

2 *сфт.* Ажин босган, бурушган, тиришган. *Тиришиқ юз.*

ТИРИШМОҚ 1 Ажин, тириш билан қопланмоқ. *Назаримда, юраклари санчдими, бурушиб кетган озғин юзлари бадтар тиришди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Марҳамат унинг шишиб ётган лунжини кўздан кечираркан, худди қўлига игна киргандай, чеккалари тиришиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Аҳмаднинг пешонаси тиришди, ҳозир ўйлайдиган пайт эмас эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Бадани ёки бирор аъзоси оғриқдан ёки шундай оғриқ туғдирадиган ҳис-туйғудан тортишиш, тиришиш ҳолатида бўлмоқ. [*Гулнор*] *Оёқларининг акашаклана борганини, бутун гавдасининг тириша бошлаганини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг бошига муз югуриб, асаблари тиришди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳамма ёғим оғриб, тиришиб кетяпман.* Мирмуҳсин, Меъмор. *[Элмуроднинг] Яраси тиришиб, оғриб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *..ариқ бўйига жой қилиб, оч қоринга хўп қовун еди. Иситмаси кўтарилиб, тиришиб ётгани шуники.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Астойдил ҳаракат қилмоқ, уринмоқ. *Бировни ишонтиришга тиришмоқ. Болани юпатишга тиришмоқ. Ўзини оқлашга тиришмоқ. Тиришган тоғдан ошар.* Мақол. ▬ *Дармони қуриган йигит ўзини дадил тутишга тиришар, лекин мункиб-мункиб кетар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Матқовул қудуқдан сув тортиб туриб, бу ёққа қараб-қараб кўяр, қулоғига етиб келган гапларни эшитмасликка тиришар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТИРИШИБ *рвш.* Астойдил, зўр бериб, куч билан, берилиб. *Қария қовун, ошқовоқ.. ортилган замбилғалтакни тиришиб ҳайдаб келарди.* Н. Аминов, Суварак. *Тиришиб машқ қилишим орқасида ҳамсабоқ ўртоқларим ора-*

сида иншо ёзишда пешқадам бўлдим. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТИРИШҚОҚ Ҳар қандай ишга астойдил ҳаракат қиладиган, тиришиб ишлайдиган; ҳаракатчан. *Унинг зеҳни ўткир, ўзи тиришқоқ эди, мактабда энг кучли ўқувчилардан ҳисобланарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Меҳнат фаолиятини шу ерда фаррошликдан бошлаган эди. Абжир, тиришқоқ қиз айни вақтда мураккаб ҳунар — тикувчиликни қунт билан ўрганди.* Газетадан.

ТИРИҚТИРМОҚ Олдига солиб югуртириб, зирқиратиб ҳайдамоқ. *У* [*Қудрат*] *узун тол новдасини синдириб олди-да, сигирни савалаганча, олдига солиб тириқтира кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. -*Шафтоли опчиқолмайди. Боғбон амаки нақ гаврон билан тириқтиради, — деди Асрора қизларга.* С. Аҳмад, Уфқ.

ТИРКАЛМА Бошқа бир уловга, машинага тиркаб ишлатиладиган, ўзи мустақил юрмайдиган; тиркама. *Тиркалма плуг. Тиркалма сеялка.*

ТИРКАМА *айн.* **тиркалма.** *Тиркама культиватор. Тиркама сеялка.*

ТИРКАМАЛИ Бирор қуролни тиркаб, улаб ишлатишга мосланган; тиркамаси бор. *Тиркамали трактор.*

ТИРКАМОҚ 1 Бирор қурол, мослама ва ш.к. ни юргизувчи машина, уловга бириктирмоқ, уламоқ. *Вагонларни паровозга тиркамоқ. Сеялкани тракторга тиркамоқ.* ▬ *Қодирни дафн қилиб қайтганларида, шарқ томондан пачағи чиққан «Волга»ни юк машинага тиркаб келишаётганини кўришди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Бирга қўшиб қўймоқ, қаторига қўшмоқ, киритмоқ. *Мирза Муҳиддин Иброҳимовнинг ишига янги ҳужжатлар тиркади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Абдурасул Алексей билан маслаҳатлашиб, унинг* [*Турдибойнинг*] *аризасини қулоқлар ва даргумон одамлардан тушган аризалар делосига тиркаб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бўтабой.. Содиқ тарангни қулоқлар рўйхатига тиркаб юборди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 *кўчма* Бириктириб, боғлаб қўймоқ (ёрдамчи, ўрганувчи шогирд сифатида). *Яхши ўзлаштирмаётган ўқувчини аълочилардан бирига тиркаб қўйди.*

4 Тирамоқ, суямоқ. *Шафтолига айри тиркамоқ.* ▬ *Зикриё билан Азизбой унинг* [*эшоннинг*] *қўлтиғидан олиб, сўрига ўтқазадилар, ёнбошига парёстиқларни тиркаб қўядилар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Улар нарвончани токчаларга тиркаб қўйдилар.* А. Мухтор, Чинор.

ТИРКИШ Арава шотисини эгар устида тутиб турувчи, икки учи бириктирилган қалин қайишдан иборат от-арава абзали. *Шунда калнинг аччиғи келиб, сўйган молининг терисидан тиркиш қилиб олибди.* «Олтин олма». *Гўё ҳамма ишни ўзинг қилмоқчи бўласан. Лекин шуни билки, тиркиш бўлмаса ҳам, отни аравага қўшиб бўлмайди.* Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

ТИРМА: тирма мола Ҳайдалган ерни текислаш билан бир вақтда юза юмшатиш учун ишлатиладиган тишли мола; сихмола.

ТИРМАЛАМОҚ *шв.* Тирнамоқ, тимдаламоқ. *Чақмоқ ўзининг ўткир панжалари билан кўк юзини тирмалар.* М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Қўлларига тикан кирди, юзи ва билаклари тирмаланди, роҳати бадан кўйлагининг этаги йиртилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТИРМАШМОҚ 1 Маҳкам ёпишиб, чирмашиб, юқори кўтарилмоқ, юқорига чиқмоқ. *Саккизта бола бирдан: «Бўпти, жуда соз!» дейишди-да, деворга тирмашиб, томга ғизиллашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ана, улар чўққининг ёнбошида.. йўл топиб, эчкилардай юқорига тирмашиб кетишди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Маҳкам ушламоқ, ёпишмоқ. *Мен югуриб бориб, отамнинг оёғига ёпишдим, ранги қув ўчган, титраб турган Анвар унинг иккинчи оёғига тирмашди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Назокат ариқдан чиқиб олиши билан белига ва билагига қаттиқ титроқ қўллар тирмашаётганини кўрди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТИРМИЗАК 1 *кест.* Ҳали қўлидан бирор иш келмайдиган, турмушнинг оғиренгилини кўрмаган шахс маъносида қўлланади. *Сен мен айтадиган ашулага ҳам чанг солдингми, индамаган сари бошимга чиқиб олмоқчимисан ҳали тирмизак.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Ҳамма йигитлар урушга кетди. Далада хотинлару қарилар, тирмизакдай бўлиб биз, болалар, ишлаганмиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Шўх болаларга нисбатан «шумтака», «тирранча» каби маъноларда ишлатиладиган ундалма. *Ҳой, омон бўлгурлар, буларни* [*бо-*

ларни] *қаердан топдинглар? Қидирмаган жойим қолмади-я! Ҳа, тирмизаклар!* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. *Мабодо биронта бола томдаги каптарга тош отса, «шиферни тешасан, тирмизак», деб уйигача қувиб боради.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ТИРНАМА: тирнама асбоблар *мус.* Торларини бармоқ учлари, нохун ва ш.к. билан тирнаб, чертиб чалинадиган асбоблар (дутор, танбур, дўмбира, балалайка ва б.)

ТИРНАМОҚ 1 Тирноқ ёки ўткир учли нарсалар билан тилмоқ, юлмоқ, тимдаламоқ. *Мушукча боланинг қўлини тирнаб олди.* ▬ *Соч юлиб, ерни тирнаб қилдилар фарёд.* Ғайратий. *Зуҳра бегим ёлғиз ўғлининг тобутда бошсиз ётган танасини кўрганда, ўзининг калласига муштларини уриб дод солди, юзини қўли билан тирнаб, қонатиб юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Худди тирнаш каби ҳаракат ва унинг таъсирига нисбатан қўлланади. *Совуқ шамол баданни тиканли тили билан тирнар, нимдош кийимдан ўтиб санчар ва қалтиратар эди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *Аммо Йигиталининг бугунги иши унинг ичини тирнаб ўтди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *..юрагимни тирнаб турган фикрларни тушуниб, самимий маслаҳатингиз, ширин сўзларингиз билан мадад берсангиз эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Ичини мушук (*ёки* **ит) тирнамоқ** *қ.* **ич**. *Шу вақтгача шоирнинг ҳаёти учун қўрқиб, ичини ит тирнаётган вазир енгил нафас олиб.. бош эгиб қўйди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ТИРНОҚ 1 Бармоқлар учининг орқа томонидаги этга ёпишган, бармоқларни ҳимоя қилувчи, шохсимон моддадан иборат тузилма, қоплама. *Тирноқ ўстирмоқ. Тирноқни қайчи билан олмоқ.* ▬ *Махсум ўсиқ тирноқларини Removing Furqat Бобоқулнинг бўғзига ботиришга чоғлаб, хезланиб кела бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ботирали тирноғи билан столни чертиб ўтирар, нима ҳақдадир ўй ўйларди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Баъзи ҳайвон ва қушларнинг панжаси ёки чангалидаги учи қайрилган, ўткир, шох моддали ўсимта. *Бургутнинг тирноғи. Мушукнинг тирноқлари.* ▬ *Шерни шер қилган — тиши билан тирноғи.* Р. Жуманиёзов, Сўз кўрки — мақол.

3 *шв.* От туёғи. *От тирноғига теккан тош Ёнғоқдай ушалиб кетди.* «Нигор ва Замон». *От тирноғидан чиққан қумлар Қозондай овдарилиб ётди.* «Гулихиромон».

4 *кўчма* Фарзанд, бола. *Тирноқ кўрмоқ. Тирноққа зор бўлмоқ.* ▬ *Ободон хола Сафо ота билан эллик йил бирга турмуш кечирди. Аммо уларга тирноқ насиб этмади.* Р. Отаев, Сиз нима дейсиз? *Гулнор билан ўн уч йил бирга туриб, тирноқ юзини кўрмадик.* Ойдин, Икки кўзи шунда.

5 *кўчма махс.* Баланд симёғочларга, мачталарга кўтарилиш учун оёқ кийимига маҳкам боғлаб олинадиган тишли ўроқсимон темир асбоб. [*Акбаралини*] *Баъзан кечалари ҳам чақириб қолишса, йўқ демай, брезент шимини кийиб, шалдир-шулдир занжирли «темир тирноқ»ларини елкасига илиб чиқиб кетарди.* А. Мухтор, Чинор.

6 *айн.* **қўштирноқ.** *Охирги колонкада, тирноқ ичида, «Тузук одамларнинг болалари» деган мақола бўлиб..* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тирноғини ўстирмаслик Бировнинг бири икки бўлишига, ўнгланишига, бойишига йўл қўймаслик. -*Сиз ҳам хизматчининг тирноғини ўстирмайдиганлардан экансиз, — Йўлдошбой шундай деди-ю, бойнинг бетига тик қараганча тураверди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. **Тирноқдан** *(ёки* **тирноқ орасидан, остидан, тагидан) кир изламоқ** (*ёки* **ахтармоқ, қидирмоқ**) Арзимаган ёки йўқ нарсадан камчилик топиб, бировни ноҳақ айблашга, унга туҳмат қилишга уринмоқ. *Сен тирноқ орасидан кир қидирмай қўя қол.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [*Ўктам:*] *Гап ташувчи, тирноқдан кир изловчиларни, чақимчиларни мен жуда ёмон кўраман.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дарров тирноқ тагидан кир қидирасиз-а, Самадов?* П. Қодиров, Уч илдиз. **Тиш-тирноғигача** *ёки* **тиш-тирноғи билан** Ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарса, ҳаракат-ҳолатни кучайтириш учун хизмат қилади. *Тиш-тирноғигача қуролланмоқ.* ▬ *Ман бир парча бошпанамга тиш-тирноғим билан ёпишганимдан ҳафсаласи пир бўлаёзганди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИРНОҚДАЙ, -дек Кичкина, зиғирдай, бир парча. *Тирноқдай бола.* ▬ *Ҳой, Шоди.. уйда тирноқдай ҳам кўмир қолгани йўқ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ТИРНОҚЛАМОҚ Тирноқларини ботириб, чизиқ ҳосил қилмоқ; юлмоқ, тимда-

ламоқ, тирнамоқ. *Меҳмон* [*меҳмонхонадаги*] *номерни кўздан кечирди, ярқираб кўзни қамаштираётган жиҳозларни бирма-бир ушлаб, силкитиб, тирноқлаб, ҳидлаб кўрди.* А. Қаҳҳор, Думли одамлар. *Кашал бўлиб шўрли икки улига, Тирноқлаб юзини, фақир қон этиб.* «Эрали ва Шерали».

ТИРНОҚЧА́ I **Тирноқ** с. кичр. *Қўнғиз оёқлари бир қанча бўғимлардан иборат бўлиб, ўткир тирноқчалари билан тамомланади.* «Зоология».

ТИРНО́ҚЧА II *рвш.* Озгина, жиндай. *У тирноқча ҳам ғам емайди.* ▬ *Тирноқча жойимни сен хотин талоққа бермаганим бўлсин!* Ойбек, Танланган асарлар. *Пулига тирноқча ҳам куймади, болаларимнинг бошидан садақа дерди-ю, аммо..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТИРР *тақл. с.* Латта, қоғоз йиртилганда чиқадиган товушни билдиради. *Шим тиззасидан тирр этиб йиртилди.*

ТИРРАКДАЙ: тирракдай қотмоқ Роса қотмоқ, бутунлай қотиб қолмоқ (кишининг ҳолати ҳақида). *Ювош ҳам мени кўриб, ютаётган нони ҳам бўғзида қолиб, тирракдай қотди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Кеча мени от қоққан экан, ўрнимга киришим билан тирракдек қотиб ухлабман.* А. Қодирий, Улоқда. *Кечаси роса ичиб, наша солиб дамланган ошдан қорнига сиққунча еб, тирракдай қотган Розиқ қўрбоши билан йигитларининг оёқ-қўлларини боғлаб.. шаҳар турмасига жўнатилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТИРРАНЧА *айн.* **тирмизак**. *Турдибой халфа очиқ чеҳра билан гап бошлади: -Кўп яхши бўлибди-да, бу тирранчаларни ўқитиб мулла қилмасангиз, кўча чангитишдан бошқани билмай қола беради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳар хил тирранчалар пайдо бўлибди.. у тирранчалар ҳар қадамда бўлмағур маслаҳатлар беришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИРРАҚИ 1 Ҳадеб тирраҳилайверадиган, ичикетар. *Тирраҳи бола. Тирраҳи мол. Тирраҳи бузоқ подани булғар.* Мақол. ▬ *Улар* [*қўзилар*] *ҳали ёш-да, чироқ, ўз фойдаларини билмайди. Агар ҳам сут эмиб, ҳам ўт еб, тирраҳи бўлиб юришни афзал кўришса, оналарига қўша қолай.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ориқ; ўлакса, нимжон. *Олган ойлигига берса, тўртта тирраҳи қўй беради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Тирраҳи бузоқ подани булғар Бир ёмоннинг бўлмағур, нопок иши унга алоқадор бошқаларга ҳам таъсир этиши, бошқаларни ҳам булғашини билдирадиган мақол. *Ҳамма ўлиб-тирилиб ишлаб юрса-ю, бир тирраҳи [бузоқ] подани булғаса, ҳали кўрасан, бунинг исноди бутун бригадага тегади.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди. *-Поданинг ичида битта тирраҳиси бўлса, ҳаммасини булғайди. Булғама хотинларни сен, — деди Ширмонхон зарда билан.* С. Зуннунова, Олов.

ТИРРАҚИЛАМОҚ *с. т.* Ичи кетиб, ҳамма ёқни булғамоқ.

ТИРРИҚ Ўйинда ва умуман олди-берди, савдо-сотиқ ва б. муомалаларда бошқаларни алдашга, тонишга, фириб беришга ўрганган; ғирром, фирибгар. *Тирриқ, ўйинчи. Тирриқ одам.* ▬ *Анави тирриқлар кўп ишларни бўйнига олмаслиги мумкин.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

Таъби (*ёки* **табиати, кайфи) тирриқ** Бирор нарсадан ранжиган, хафа; кайфи бузуқ. *Илҳомчанинг.. кўнгли ғаш, таъби тирриқ, овози синиқ.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. [*Назар*:] *Уйга борсам, хотиним табиатимни баттар тирриқ қилди.* С. Зуннунова, Кўзлар. *Оғир юк кўтарган кишидай аранг ўтирган еридан қўзғалди. Унинг таъби тирриқ эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТИРРИҚЛИК 1 Тирриқ шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат; ғирромлик. *Ҳафиз ошнасининг баъзида тирриқлик қилишини — жон койитмай кўпроқ пул топишнинг кетига тушганини пайқаса ҳам, негадир унга эътиқоди баланд эди.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар. *Турғунбой ака бўлса, биз нима учун қайғураётганимизни ўйламай, томорқам деяпти, тўғрироғи, у ғирромлик қиляпти.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши.

ТИРС *тақл. с.* Чўғдан учқун отилганда, ип узилганда чиқадиган кескин, кучсиз товуш ҳақида. *Нимадир тирс этди: қизил уруғ қовун дум берди шекилли.* А. Эшонов, Дутор.

ТИРСАК I **1** Қўлнинг билак суяги билан елка суяги қўшиладиган, букилиб бурчак ҳосил қиладиган жойи, бўғими. *Назокат тирсагини столга қўйди-да, чиройли панжалари билан юзларини силаб, ноз ва эркалик билан сўз бошлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *-Ҳаммасини қанчага берасан? — деб Карим тирсаги билан Ойтўтини секингина туртиб қўйди.* Ойдин, Фонарь тагида. *Бондарь чиқаётиб, Анна Ивановнанинг*

тирсагидан одоб билан тутди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Енгнинг қўлнинг шу ерига тўғри келадиган жойи, қисми. *Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қаламй яктагининг енги зулфинга илиниб, тирсаккача йиртилди.* А. Қаҳҳор, Анор.

3 Нарсаларнинг бурчак ҳосил қилиб букилган жойи ёки қисми. *Трубанинг тирсаги. Валнинг тирсаги.* ▬ *Эътиборсизлик, шошқалоқлик қилинади-ю, чизиқдан чиқишади: лова муюлишида паст-баландлик, бир метр келадиган қийтиқ тирсак пайдо бўлиб қолди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамоннинг йўли.

4 *тар.* Узатилган қўл бармоқларини учидан тирсагигача бўлган масофага тенг узунлик ўлчови бирлиги (тахминан ярим метр ёки ундан ошиқроқ).

Тирсакни тишлаб бўлмас Кўриниб турган, аммо қўлга киритиб бўлмайдиган нарса ёки амалга ошмайдиган орзу ва ш.к. ҳақида айтиладиган матал.

ТИРСАК II Тилда пайдо бўладиган сўгалсимон бўртиқ, чиқиқ; сарикча. *Тилимга тирсак чиқибди.*

Тилингга тирсак чиқармиди Айтиш, гапириш лозим бўлган гапни айтмаган, билдирмаган шахсга нисбатан қўлланади. *«Кечиринг мени, сизни билмай..», деса тилига тирсак чиқармиди?*

ТИРСАКЛАМОҚ Тирсаги билан бир иш қилмоқ (суянмоқ, туртмоқ, қормоқ, пишитмоқ ва ш.к.). *Столга тирсаклаб ўтирмоқ.* ▬ *Отаси Мирзахўжа новвой хамир тирсакламоқда, ўгай аяси Зиёдабиби ун эламоқда.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ТИРСИЛЛАМА Терисига, қобиғига сиғмас даражада тўлишган, етилган; бўлиқ. [*Сўнагулнинг*] *Лаблари ҳам етук қизларга хос бўлиқ, тирсиллама.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТИРСИЛЛАМОҚ I «Тирс» этмоқ, кескин, кучсиз овоз чиқармоқ, чирсилламоқ. *Цемент солинган халта тирсиллаб, ёрилиб кетди. Қуруқ ўтин тирсиллаб ёна бошлади.*

ТИРСИЛЛАМОҚ II **1** Терисига, қобиғига сиғмас даражада тўлмоқ, тўлишмоқ, тўлиб, ёрилар даражага етмоқ. *Сигирнинг елини тирсиллаб кетибди.* ▬ *Тўлишган, орқа-бели тирсиллаган гўзал гавдасини серкиллатиб, Дилдор даҳлиздан хона ичига кирди.* Ойбек, Навоий. *Семизликдан кўзлари қисилиб кетаёзган, қонталашган юзлари тирсиллаб ёрилиб кетгудай.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

2 *кўчма* Тўлиб-тошмоқ (куч-қувват, ғайрат ва ш. к. ҳақида). *Норғул, ўмровлардан кучи тирсиллаб, Чўпон чиқиб келди катта ўтовдан.* Зулфия. *Мушакларида куч-қувват тирсиллаб турибди.* С. Акбаров, Отамнинг хаёллари.

ТИРТАЙМОҚ Аразлаган, ранжиган ёки зарда қилган кўйи чимирилмоқ, лаб-лунжини осилтирмоқ, тумшаймоқ. [*Жўра*] *Ўқишга борадику-я, аммо* [*синфдошлари*] *«Кеча кетган эдинг кеккайиб, бугун келдингми тиртайиб?!» дейишса, нима қилади.* Н. Назаров, Замон.

ТИРТИШМОҚ 1 Таранглашиб бурушмоқ, тиришмоқ. *Костюмингиз тор экан, елкаси тиртишиб ётибди.*

2 Битиб буруш-тириш бўлиб қолмоқ. *Яраси битиб, юзи тиртишиб қолибди.*

ТИРТИҚ Битган яра, жароҳат ўрнида ҳосил бўлган ямоқ; чандиқ. *Унинг хотини.. гоҳ-гоҳ зимдан Боқижоннинг бўйнидаги тиртиғига қараб қўяр эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Йигитнинг қора мағиздан келган чўзиқ юзи, айниқса, қош-кўзининг қоралиги уни бир оз лўлига ўхшатиб кўрсатар, лабининг четидаги пичоқ тилгандай ингичка, чуқур тиртиғи негадир бу ўхшашликни тағин ҳам кучайтирган эди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

ТИРҚИРАМОҚ 1 Ҳар томонга тарқалиб кетмоқ, қочмоқ, тўс-тўс бўлмоқ. *Эшик оғзида уймалашиб турган қизчалар ён-ёққа тирқираб, ғойиб бўлишган эди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Илгарилар бу ерга елкасига милтиқ тақиб, ёнбошига чарм халта осган отлиқлар келар, одамлар уларнинг қорасини узоқдан кўрибоқ, «солиқчи» дердилар ва бекингани жой ахтариб, тирқираб кетардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Отилиб чиқмоқ, шиддат билан чиқиб, атрофга тарқамоқ, сочилмоқ (суюқлик ҳақида). *Ярадан қон тирқираб кетди.* ▬ [*Эргашнинг*] *Чап бош бармоғидан тирқираб қон оқяпти.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *У* [*Майна*] *ўзини босишга уринса ҳам бўлмади — икки кўзидан севинч ёшлари тирқираб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТИРҚИШ 1 Бир-бирига зич ёпишмаган эшик табақалари, тахта ва ш.к. орасида

ҳосил бўлган тор ва узун бўш оралиқ. *Дераза тирқишидан муздек ҳаво киряпти.* ▬ *Эшик тирқишидан йўлакка ипдек ингичка нур тушди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эшелоннинг кейинги тўхташида вагон тирқишидан қараб турган Исроил Азимов бу станцияни таниб, «Пенза», деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Узун тешик, ёриқ, узун дарз. *Эски бинонинг деворларида ҳар томонга тарқалиб кетган тирқишлар пайдо бўлибди.* Газетадан. *..молхонанинг тешик, тирқишларигача дори септирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТИРҒАНМОҚ *айн.* **сирғанмоқ.** *Тирғаниб йиқилмоқ.* ▬ *Тирғаниб, лой сачратиб югурган Гулнор, ўз эшигида бир нафас тўхтаб, кечинмаларини онадан яширишга қанча уринмасин, буни эплай олмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Турсуной анҳорга келиб, сув оламан, деб қўққисдан тирғаниб, сувга тушиб кетди.* Газетадан.

ТИРҒАНЧИҚ *айн.* **сирғанчиқ.** *Тирғанчиқ жой.* ▬ *Йўл қатқалоқ, тирғанчиқ бўлганлигидан мотор қаттиқ овоз чиқариб гувуллар.. эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТИС *унд. с.* Отни орқага тисаришда айтилади.

ТИСАРИЛМОҚ 1 Тисармоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Машина сал тисарилса, йўл очилади.* ▬ *Тўра.. орқасига тисарилиб, югуриб келиб, бутун кучи билан сакради.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Душман энди олға югуриш ўрнига тисарила бошлади.* Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев. *Бульдозерлар бири олиб, бири қўйиб вағиллайди. Орқага тисарилади, олдинга интилади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 *кўчма* Тутилган йўлдан, фикридан, эътиқодидан ёки азму қарори, шахти ва ш.к. дан қайтмоқ, чекинмоқ. *Ишнинг ҳақлигига ишонсанг, унга астойдил кириш, тисарилма.* ▬ *Бу [мафкуравий] соҳадаги ҳар бир бўшашиш, ҳар бир тисарилиш ёт ғояларга йўл очиш бўлиб чиқади.* Уйғун, Сўнгги пушаймон.

ТИСАРМОҚ 1 Орқаси билан юргизмоқ, орқаси билан юргизиб, кетига қайтармоқ. *Чавандоз отини тисарди.* ▬ *Қиз.. уни* [*мулла Бурҳонни*] *ҳужра ичига қарата тисариб, «шошманг».. депти.* С. Айний, Эсдаликлар. *У* [*Қумри*] *машинани тисариб, чап томонга сал бурди.* С. Аҳмад, Ойдин чечаклар.

2 Чекинишга мажбур қилмоқ. *Душманни фронт бўйлаб тисардик.*

ТИСАРТМОҚ *айн.* **тисармоқ.** *Ҳали кучли бу лаънати ёв, ўзинг кўряпсан, бир surганча тисартиб олиб кетиш қийин бўляпти.* В. Ғофуров, Вафодор.

ТИСКИ [*р.* тискать – «сиқмоқ, қисмоқ; босмоқ» фл. дан ясалган от] *тех.* Ишлов бериладиган буюмни сиқиб, маҳкамлаб қўйиш учун хизмат қиладиган слесарлик асбоби; гира, исканжа. *Ҳасан тискига дам болғанинг бир қиррасини қисар, зўр бериб эговлар эди.* Ибохон, Улуғ кун. *Станок плитасида катта болтлар билан мустаҳкамланган тиски полга тушиб, ўртасидан ёрилди.* Газетадан.

ТИСЛАМОҚ Орқаси билан юргизмоқ, тисармоқ. *Аравани тисламоқ.* ▬ *Ўроқ шофёрга машинани орқага тислашни буюрди.* Й. Муқимов, Матонатли кишилар.

ТИСЛАТМОҚ *айн.* **тисламоқ.** *Улар бир-бирларининг отлари тумшуғига қамчи уриб, уни кейин тислатиб, ўзлари олдин ўтишга ҳаракат қилардилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ТИСС *унд. с.* Овоз чиқармасликка ёки секин сўзлашга ундаш учун ишлатилади. *-Тисс, – Абдулла дик этиб ўрнидан турди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТИТАН I [*юн.* Titan – юнон мифологиясида Уран (осмон) ва Гея (ер)дан туғилган биринчи авлод фарзандлар номи] Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мунсуб кимёвий элемент; пўлатсимон ялтироқ қаттиқ, коррозиябардош металл.

ТИТАН II Сув иситадиган ёки қайнатадиган махсус қурилмали катта идиш. [*Эргаш:*] *-Мана бу эса титан дейилади, – деди сув қайнатаётган ялтироқ идишни кўрсатиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИТИҚ 1 *сфт* Титилиб, тўзиб увадаси чиққан, титилиб кетган, дабдала. *Титиқ китоб. Титиқ кўрпа. Титиқ сават. Титиқ қоп.*

2 *от* Нарсанинг титилган, тўзган жойи; титилган, тўзган нарса. *Дастурхоннинг титиғи. Шляпанинг титиғи.*

Титиғи чиқиб (*ёки* **ўйнаб) кетибди** 1) титилиб, тўзиб увадаси чиқибди, жулдур-жулдур, дабдала бўлибди. *Кўрпанинг титиғи чиқиб кетибди. Диваннинг титиғи чиқиб кетибди;* 2) *кўчма* дабдаласи, мажағи чиқибди, тор-мор бўлибди. *Душман отрядининг титиғи чиқиб кетди.* **Титиғини чиқармоқ** Қаттиқ калтакламоқ, дабдала қилмоқ. *Шу қилганингга бир уриб, титиғингни чиқариб*

юборайми? Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ТИТКИЛАМОҚ Титиб, ковлаштириб бирор нарса қидирмоқ; титиб, ковлаштириб остин-устун қилмоқ. *Стол яшигини титкиламоқ. Ҳужжатларни титкиламоқ. Товуқлар гўнг титкиламоқда.* ▬ *Афандининг қизчаси уйни титкилаб юриб, кўзи отасининг ҳалиги халтачасига тушиб қолди.* «Латифалар». «*Шунгаямми», — дедим ичимда ва қидиришга арзимаса ҳам, шу қизни хурсанд қилиш учун, икки қўлим билан тупроқни титкилашга тушдим.* Ойдин, Икки кўзи шунда.

ТИТМОҚ 1 Тўда, тўп ҳолидаги нарсани у ёқ-буёққа сочмоқ, ағдармоқ, тўзитмоқ. *Бундан кўра гўнг титганинг яхиш эмасми, кекса товуқ!* Ойбек, Танланган асарлар. *..тахта кўмирларини, чинни парчаларини этик учи билан титди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У жангчиларнинг техника ва тактика ҳақидаги мулоҳазаларига аҳамият бермагандек, чўғни титиб ўтирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ковлаштириб, ағдар-тўнтар қилиб қарамоқ, титкиламоқ. *Сандиқни титмоқ. Уйни титмоқ.* ▬ *Қизил крест аломатли брезент сумкани титиб, дори олди-да, Мурзинга тутди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Қоғозларини қанча титсам ҳам, лаънати дафтар сира-сира топилмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кечқурун ўзида бор журналларни титиб, Улфатнинг шеърларини топди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Юлиб, саваб, қоқиб ёки бошқа йўллар билан юмшатмоқ ва чанг, хас-хашакдан тозаламоқ. *Пахта титмоқ. Жун титмоқ.* ▬ *Ғозибой ака билан Рўзибой акалар паншаха билан хирмонда тинмай пахтани титиб туришсин.* Мирмуҳсин, Михлар ва пўкаклар.

4 *с. т.* Пора-пора қилмоқ, дабдала қилмоқ, мажағини чиқармоқ. *Ҳозир кўзига кўринсанг, титиб ташлайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тутун жигаримни ҳам титиб юборди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИТ-ПИТ: **тит-пит бўлмоқ** Титилиб-сочилиб кетмоқ, тўзиб кетмоқ; остин-устун бўлмоқ. *Ўнлаб километр масофада яп-янги кабеллар тит-пит бўлиб кетган эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **Тит-пит қилмоқ** 1) титкилаб, титиб, остин-устун қилмоқ, тартибсиз ҳолга келтирмоқ; 2) *кўчма* миридан сиригача текширмоқ, текшириб остин-устун қилмоқ, ков-ков қилмоқ. **Тит-питини чиқармоқ** 1) адабини бермоқ, бурнини ерга ишқамоқ, тавбасига таянтирмоқ. *Менга қаранг, Афандихон, Бўта яна раис бўлади. Аммо лекин унга туҳмат қилганнинг тит-питини чиқазаман.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) *айн.* **тит-пит қилмоқ.**

ТИТРАМОҚ 1 Совуқдан, қўрқувдан, ҳаяжондан ёки дармонсизликдан, касаллик ва ш.к. дан қалтирамоқ. *Ҳаёт пиқ-пиқ йиғлар, елкалари дир-дир титрар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кўзларимиз тўқнашди-ю, унинг лаблари титраб, кўзларидан икки томчи ёш думалаб кетди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Шодлигимдан ўзимни йўқотаёздим, дағ-дағ титрайман.* Газетадан.

2 Қимирламоқ, тебранмоқ, силкинмоқ, ларзага келмоқ. *Баланд, тўғри ўсган, учлари бир-бирига туташган қатор тераклар жимгина титрайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Али тажангнинг сарғиш мўйлови титраб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ғуломжоннинг гурзиси асов тош устига даҳшат билан урилганда, бутун тоғ титрар, унгур ичи гумбурлаб кетар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Титроққа ўхшаш бўлиниб-бўлиниб чиқмоқ, ифодаланмоқ (овоз, товуш ҳақида). *Қаттиқ титраган деразa орқали узоқда ўт-бўронлар кўринади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *-Қалай энди, тузукмисиз? -Шукур, раҳмат, — унинг овози титраб, гапининг охири яхши эшитилмади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Уйнинг яқиндагина сирланган, бўёқ иси анқиб турган шифти остида тор садолари титраб кетди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

4 *кўчма* Титроққа ўхшаш ифода бермоқ, ҳаракатланмоқ. *Сўзлар экан, юраги машъум бир эҳтимолнинг даҳшатидан титрар, тили ҳам осонлик билан ҳаракатланмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИТРАМА *айн.* **титроқ 1.** *Унинг ҳайқиришларининг ўзидаёқ ҳар қандай рақибнинг тиззасига титратма тушади.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ТИТРАШ 1 Титрамоқ фл. ҳар. н. *Баданнинг титраши тўхтади.*

2 *тиб.* Бирор аъзо, (кўпинча қўл, оёқ ва юз) мускулларининг беихтиёр ритмик равишда титраб туриши.

ТИТРОҚ 1 *от* Совуқдан, қўрқувдан, ҳаяжондан ёки дармонсизлик, касаллик ва

ш.к. дан юзага келадиган ғайришуурий ҳаракат, қалтироқ. [*Сидиқжоннинг*] *Телеграмма қоғозини тутиб турган қўли титрарди. Бу титроқ аста-секин бутун вужудини қамраб олди.* Э. Усмонов, Кўнгил. *Адолат сурбет Бозоровни кўриши билан ғазабдан қалтиради ва титроғини босиш учун пахта тераверди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *сфт.* Титраб, қалтираб турадиган, титрайдиган, титроқли; қалтироқ. *Титроқ қўл. Титроқ оёқ.* ▬ *Муҳаммаджон унинг титроқ лабларига суқланиб қаради-ю, лекин журъат этолмай, қўлидан чўпиллатиб ўпди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Замира унинг титроқ вужуди ва ҳаддан ташқари оловли қарашига тоб беролмай, стол устига пастроқ энгашди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 *сфт.* Тўлқинланиб ёки узилиб-узилиб чиқадиган (асосан овоз, товуш ҳақида). *У, оппоқ рўмолчаси билан кўзларидан дона-дона оқиб тушаётган ёшини артиб, титроқ овоз билан жавоб берди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Титроқ босмоқ (*ёки* **турмоқ, кирмоқ, югурмоқ**) Титроқ пайдо бўлмоқ, эгалламоқ. *Наҳотки Аҳмад танбал қўлга тушган бўлса? Унда сир очилади.. Ёқуббекни титроқ босди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қўйинг, дадаси, ҳадеб ич-ичингизни тимдалайверманг. Ҳар чўт қоққанингизда бир титроқ туради.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ўрмонжон «Қўрққан олдин мушт кўтарар» деган хаёлда вужудига титроқ кириб, секин курсига ўтирар экан..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Майна бир дақиқа кўзини юмди, ғазабдан бутун аъзосига титроқ югурди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТИТУЛ I [*лот.* titulus – устига ёзилган ёзув; фахрий унвон] *плгрф.* Китобнинг унинг номи, муаллифи, нашр қилинган йили ва жойи, нашриёт ёки уни нашр этувчи ташкилот номи кўрсатилган биринчи бети; титул варағи. *Китобнинг титули.* ▬ *Унинг* [*китобнинг*] *муқоваси, титул варағи, шунингдек, бошқа айрим бетлари ҳам жуда эътиборсизлик билан вёрстка қилинибди.* Газетадан.

ТИТУЛ II Миллий ва б. турли ҳуқуқлар асоси; айрим кодекс ёки қонунлардаги алоҳида бўлимча.

Титул рўйхати Қурилиш объектларини қуриш учун керак бўладиган, объектнинг номи ва ўрни (жойи), лойиҳавий қуввати, смета бўйича баҳоси ва ш.к. кўрсатиладиган рўйхат. *Яқинда ҳукумат титул рўйхатларини тасдиқлашнинг янги тартибини белгилаб.. камчиликларни йўқотди.* Газетадан. *1984-1985 йилларнинг титул рўйхатларига киритиладиган объектлар бинокорлик материалларининг ҳамма турлари билан.. таъминланиши лозим.* Газетадан.

ТИФ [*юн.* typhos – тутун; онгнинг, ақлҳушнинг хиралашуви] *тиб.* Иситма ва онг парокандалиги, хиралашуви билан кечадиган оғир юқумли касалликларнинг умумий номи; терлама. *Орада беш ой ўтгандан кейин, унинг бўйга етган қизи тиф билан оғриб, ўн етти кун деганда вафот қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТИХИР *с.т.* Сўзга, маслаҳатга кирмайдиган, тутган ерини кесадиган; ўжар, қайсар. *Тихир бола. Тихир от.*

ТИХИРЛАНМОҚ Тихирлик, ўжарлик қилмоқ, қайсарлиги тутиб туриб олмоқ.

ТИХИРЛИК Тихирга хос хусусият, хатти-ҳаракат; қайсарлик. *Ўчоқбошида идиштовоқларни ювиаётиб, ҳамма гапдан хабардор бўлиб турган Ўринбу қайнатасининг тихирлигидан уялди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кампир неварасининг олдига уни-буни қўйиб, қистайверади, Обида бўлса, нуқул «йўқ, йўқ», деб тихирлик қилаверади.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *От негадир тихирлик қилиб, юрмай туриб олди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ТИШ I **1** *анат.* Овқат ейиш, тишлаш, чайнаш, тутиб туриш учун хизмат қиладиган аъзо. *Курак тиш. Озиқ тиш. Фил тиши. Тилла тиш. Тиш чўткаси. Тиш пастаси. Тиш доктори. Тиш тозаламоқ. Тиш қўймоқ, Тишни суғурмоқ (олмоқ).* ▬ *Жувон елкаси оша Сидиқжонга қараб, оппоқ, маржондек тизилган тишларини ярқиратиб илжайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Тиш ёрмоқ 1) тиши кўрина бошламоқ, чиқа бошламоқ (ёш бола, гўдак ҳақида); 2) гап билан билдирмоқ, оғиз очмоқ; айтмоқ. *Бу тўғрида қўшнимизга тиш ёрган эдим, у: -Битта-яримтасининг томоғини мойламабсиз-да, – деди.* «Муштум». *Таранцевнинг аллақаёққа бош олиб кетганидан хабардор бўлса ҳам, бировга тиш ёрмади.* «Муштум».
Тиши чиқмоқ Маълум сўз ёки сўз бирикмаси билан бирикиб, сўз (сўз бирикмаси) билдирган иш-фаолият, соҳада улғайганликни,

танилганликни билдиради. *..кечагина шинель кийган Чернецов, ҳарбийда тиши чиқиб, ҳарбийда балоғатга етган капитанга тактикадан дарс бермоқчи, деб ўйлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Олғирлик билан тишим чиқди, беҳуда гаплар билан тилим бурро бўлди.* «Муштум». **Тиши ўтмоқ** Моҳиятига тушунмоқ, ақли етмоқ, ҳал эта билмоқ. *Газета ёки китоб ўқиганида, айниқса, техникага оид брошюраларни ўқиганида, баъзиларига тушунмаяпти, ўзининг таъбири билан айтганда, тиши ўтмай қоляпти.* Р. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас. **Тишида (***ёки* **тишининг кавагида** *ёхуд* **орасида**) **сақламоқ** Ниҳоятда эҳтиётлик билан (кимсага билдирмай, кўрсатмай) сақламоқ. *Лекин бир илож қилиб тишимда сақлайман уни.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ма, ол. Бирор кунингга яраб қолар, тишимнинг орасида сақлаб юргандим.* «Муштум». *Афандининг тиш кавагида асраб юрган юз танга пули бор эди.* «Латифалар». **Тишини тишига қўймоқ** Бор куч-имконият билан ўзини тутмоқ, чидаган ҳолда тутмоқ. *Ножўя гапларни бошингиздан чиқариб ташланг, акаси жонидан, унақа вақтлар ўтиб кетган, тишни тишга қўйинг-да, дам бўлинг, бости-бости қилиб юборамиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тағин ҳам фарзанд экан. Тишимни тишимга қўйиб кузатдим.* «Муштум». **Тишини қайрамоқ** Тайёрланмоқ, бирор нарса учун ўзини чоғлаб турмоқ. *Йўлчи тишини қайраб, бойваччанинг кўкрагига бир мушт туширди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тишингни қайраб тур, ука, сал қўл бўшасин, катта тўй қилиб бераман.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Тишининг оқини кўрсатмоқ** (Тишини кўрсатиб) иржаймоқ, ишшаймоқ, тиржаймоқ. *Шундай табаррук одамга қайси бетим билан тишимнинг оқини кўрсатаман?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тиш-тирноғи билан** Қатъият билан, бутун имкон билан. *Тиш-тирноғим билан шу ерда, шу болаларнинг севган ўқитувчиси бўлиб қолишга тиришаман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қурол, асбоб, машина қисмлари ва ш.к.нинг (тишга ўхшаш) ўткир, учли қисми. *Арранинг тиши. Қирғичнинг тиши. Тароқнинг тишлари. Омочнинг тиши.* ▬ *Аввалги йилларда ҳам трактор ишларди, болалар тушмагур тишини саёз ботиришарди, ҳозир унақаси йўқ.* С. Маҳкамов, Катта рулда. *Тош омочнинг тиши шаклига кирганда, полвон кўриб маъқуллади..* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Аммо чиғириқ ўқининг тиши чигитни чайнаган чоқда ишчиларнинг айлантиришга кучи етмас ва қулоқни чаппа айлантириб, қайтадан олдин босишга мажбур бўлар эдилар.* С. Айний, Қуллар.

ТИШ II *с.т.* Таш, сирт, ташқари. *Мол оласи тишида, одам оласи ичида.* Мақол. ▬ *Ўзи тишдан ялтираб кўринса ҳам, ички жиҳатдан сурбет бир кимсага ўхшаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИШАМОҚ Тиш чиқармоқ ёки тишини чархлаб ўткирламоқ. *Аррани тишамоқ.*

ТИШКОВЛАГИЧ Тишни овқат қолдиқларидан тозалаш учун чўп ёки бошқа нарсадан тайёрланган буюм, восита. *..таомдан сўнг бирон соат ғоз патидан ясалган тишковлагичини олиб, тишини ковлаб юради.* Мирмуҳсин, Умид.

ТИШЛАМ Нон, гўшт ва ш.к. овқатнинг бир тишлашда узиб олинган қисми ёки бир тишлашли парчаси. *Бир тишлам гўшт.* ▬ *Бир тишлам нон гадоси бўлиб, биров эшигига борган вақтларим бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИШЛАМОҚ 1 Тишлари орасига олиб, бир қисмини узиб, ажратиб олмоқ. *Жувон қўлидаги олмани устма-уст бир неча мартаба тишлади ва чала чайнаб ютди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Эъзозхон суви қочган нонни тишлаб, чайнай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Тишлари орасига олиб қисмоқ, тишлари билан тутмоқ, тишида ушламоқ. *Мушук боласини тишлаб, ҳовлига олиб чиқди.* ▬ *Мирзакаримбой.. сўзни нимадан бошлашни билмай, соқолининг учини тишлаб деди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Жўра*] *Қамчини тишлаган ҳолда, отга минди.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 Тишларини ботириб жароҳатламоқ, қопмоқ. *Уни ит тишлаб олди. Бу от тишламайди.* ▬ *Тилини тишлаб олган одам тишини суғуриб ташламайди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *От жонивор, олдидан келганни тишлаб, орқадан келганни тепибди.* «Эртаклар».

4 *кўчма* Қаттиқ гап билан озор бермоқ, ачитиб гапирмоқ, чақиб олмоқ. *Мастон кампир неварасининг йиғлаб туриб қилган зорига қарамай, яна тишлаб-тишлаб олмоқчи бўлди, лекин шайтонга ҳай берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бармоғини тишламоқ *қ.* **бармоқ 1.** *Шундай ҳийла билан берардимки* [*заҳарни*], *табиблар бармоғини тишлаб қолган бўларди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Бурнини тишламоқ** Ҳеч нарса қила олмасликка ишора қилади. *Алам қилса, бурнингни тишла.* ■ *Энди уйга қайтиш йўқ. Мирзакаримбой бурнини тишлаб қолсин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ер тишламоқ** Ерга қулаб жон бермоқ, ўлмоқ. *Фашист.. ё қаншаридан ўқ еб, ер тишлайди, ё эвини қилса, рўпара келган тешикка ўзини уради.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Мум тишламоқ** *қ.* **мум.** *Эшпўлатов лом-лим демади, деб биз ҳам мум тишлаб кета берсакмикин..* «Муштум». **Олдидан келса тишлайди, кетидан келса тепади** Ўзига йўлатмаслик. *Мулла Норқўзи ўша гапни ҳазиллашиб айтганини арз қилиш учун олдидан келса тишлар, кетидан келса тепар эди..* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Тилини тишламоқ** *қ.* **тил 1.** *Оғзингни юм, тилингни тишла, Адолат, урушга борганларнинг ҳаммаси ҳам ҳалок бўлавермайди..* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Тишида тишлаб** Ниҳоятда эҳтиётлаб. *Икки-уч ёшида онадан етим қолади. Отаси уни тишида тишлаб катта қилади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *..топган-тутганини тишида тишлаб сақлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қулоғидан тишламоқ** Ўзиники қилиб қўймоқ (одатда, қиз болани ёшлигида, кейин унга уйланиш учун). *Сен унинг қулоғини тишлагансан, номард* У. Исмоилов, Сайланма. *Ёшлигимизда бир-биримизни яхши кўришиб юрардик, қўшни эдик, қулоғини тишлаб ҳам қўйган эдим, — деди Ботирали.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ТИШЛАТМОҚ 1 Тишламоқ фл. орт. н. *Менинг пойлайдиганим ҳам, тишлаб оладиганим ҳам йўқ, тузукми! Тишлатиб қўядиган қизлардан эмасман.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Синдор эса, ер бағирлаб ўрмалаётган икки оёқли ҳайвонларга мерганларча ўт очиб, ер тишлатарди.* Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача.

2 *кўчма* Кези келганда гап билан боплaмоқ; гапни ўрнига қўймоқ; ўринли гап қилмоқ. *-Дадаларимиз худди бизнинг шўх, қувноқ бўла олишимиз учун ўлиб кетган бўлса-чи! — деб тишлатдим мен ҳам.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТИШЛАШМОҚ 1 Тишламоқ фл. бирг. н. *Кутиб турган хотинлар, Кумушни кўрган он, бир-бирларига қарашиб, лабларини тишлашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қизлар ўйнашиб, қизғалдоқдай яшнашиб.. биров-бирови билан тишлашиб.. бир хиллари биров-бировининг бўйнига қўлини ташлашиб юрибди.* «Равшан».

2 *кўчма* Жанжаллашмоқ, толишмоқ. *..етти Сибирдан омон қайтиб, генерал Куропаткиндек ҳоким билан тишлашаётган ким?* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

3 *тех.* Бир-бирига киришмоқ, илашмоқ. *Тишланган шестернялар.*

ТИШЛОН *шв.* Сўйлоқ тиш ва шундай тишли одам.

ТИШЛОНҒИЧ 1 Ёнига борганни тишлайверадиган, тишлаб оладиган. *Тишлонғич ит. Тишлонғич от.*

2 *кўчма* Гап билан тишлаб оладиган; уришқоқ. *Ўғлингизнинг тишлонғичлигидан мақтанманг, тоға, энди бунақа тишлонғич йигитларнинг даври ўтган!* С. Абдулла, Ўлмасхон.

ТИШОВЛАМОҚ *шв.* Тиш чиқармоқ, тишамоқ. *Аррани тишовламоқ.*

ТИШСИЗ Тиши бўлмаган; тиши йўқ. *Тишсиз чол. Тишсиз мола. Тишсиз сихмола.*

ТИШ-ТИРНОҚЛИ 1 Қўл урган нарсасини битирадиган; уддабурон, эпчил. *Чиндан ҳам у* [*Умматали*] *жуда тиш-тирноқли эди. Интилган нарсасини ё узиб олар, ё унга ёпишиб қолиб кетарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 *кўчма* Теккан, эътибор қаратган жойини узадиган, таъсирини ўтказадиган. *Рецензия дегани ана шунақа тиш-тирноқли, тишлаб оладиган бўлса.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ТИШҚОЛИ *этн.* Тишни бузилиш, касалланишдан сақлаш мақсадида суртиладиган махсус қора бўёқ. *Тишига тишқоли қўйган Ойсара чўтир овозини пастлатиб, гапга зеб беради.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Тишқолидан қорайган яккам-дуккам тишларини тиржайтириб, хир-хир кулди яна хотин.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТИҚ *тақл. с.* Нарсаларнинг тегиши, урилишидан ҳосил бўладиган бўғиқроқ кучсиз товуш ҳақида. *Қалам тиқ этиб полга тушди. Тиқ этса, эшикка қарайман.* ■ *-Мен.. хизмат қилиб турибман. Тиқ этган чойнак бежавоб қолмайди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Тиқ этган товуш (*ёки* **овоз, хабар**) **йўқ** Ҳеч қандай товуш, шарпа ёки хабар эшитилмайди; жимжит. *Қўрғонда тиқ этган товуш йўқ. Ҳатто бешикдаги болалар ҳам тип-тинч.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшиклар маҳкам тамбаланган, кўчаларда тиқ этган товуш эшитилмайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Бу хатдан кейин Марғилондан тиқ этган хабар бўлмади ва орадан икки ойлаб фурсат ўтиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИҚИЛИНЧ 1 *от* Одам, машина ва ш. к. билан тирбанд; юриш, ҳаракатланиш қийин ҳолат; шундай ҳолатли жой; шундай ҳолатдаги одам ёки нарсалар тўдаси. *Йўлчи «Дўппи бозор»дан аравани зўрға олиб ўтди: бу ерда зўр тиқилинч, кўпчилиги хотинлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Трамвай нариги бекатда тўхтаганда, тиқилинчда урилиб-сурилиб, мен тушган вагонга кутилмаганда Санобар чиқиб келди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Шундай тирбанд, юриш, ҳаракатланиш қийин бўлган (қийин ҳолатли). *Ойниса вокзал майдони яқинида тиқилинч трамвайдан ҳаммадан кейин тушди..* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Ҳамадон шаҳри худди безовта қилинган аринлар инидек ғувуллайди. Кўчалар тиқилинч.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

3 Тезлик билан бажарилиши лозим бўлган; шошилинч, ошиғич. *Тиқилинч иш.* ▬ *Борадиган жойингизга кеч қоладиган бўлдингиз-да, меники жудаям тиқилинч эмас эди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

4 Бажарилиши лозим бўлган иш кўп (тиқилган), вақт эса зиқ. *Шукур бетоқат бўлиб, энсиз пешонасини тириштирди. Шу тиқилинч пайтда Шукурнинг миясига бир фикр келиб қолди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Кундузи Зиннат буви теримчиларга овқат пиширгани кетадиган вақтда, ишларим тиқилинч бўлишига қарамай, мен уйга етиб келдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

Тиқилинч қилмоқ Зўр бериб қистамоқ, шоширмоқ, қийин-қистоққа олмоқ, ҳолжонига қўймай талаб қилмоқ. *Мунисхон тиқилинч қилмаганда, улар кўчиб кетишмасди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Юзбошига айтиб қўйинг, Ҳайдарвой, ишла, ҳа бўл, деб бизга кўп тиқилинч қилавермасин.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ТИҚИЛЛАМОҚ *айн.* **тиқирламоқ.** *Эшик тиқиллади.* ▬ *Энди ётмоқчи бўлиб турганида, дераза тиқиллади.* «Саодат».

ТИҚИЛМОҚ 1 Тиқмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Шиша оғзига пўкак тиқилган. Қопга ун тиқилди.* ▬ *Хуржуннинг бир кўзида тугун, бир кўзида ўраб тиқилган жун қоплар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гўрга тиқилгур очофатлар, мол талашиб, сандиқни ҳам синдиришди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Лой ёки юмшоқ жойга ботиб қўзғалолмай, юролмай қолмоқ. *Машина кичик бир ариққа тиқилиб қолди.* ▬ *Оти лойга тиқилган навкарлардан бири Тоҳир эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Арава лойларга тиқилаверИб, жонимиздан тўйдирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Тор, зиқ жойдан ўрин олмоқ, жойлашмоқ. *Аъзам уч-тўрт кун кўчада бош ургани жой тополмай.. дайдиб юргач, шаҳар четидаги кўримсизгина бир масжид қоровулининг мол боғласа турмайдиган ҳужрасига бориб тиқилди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Мана, ҳозир яраланган бўридек кавакка тиқилиб ўтирибди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Семизлигидан партага тиқилиб ўтирган бир киши томоқ қириб, мўйловини бураб қўйди.* С. Зуннунова, Янги директор.

4 Бирор нарса ёки кимсага ёпишмоқ; зич, тирбанд нарса ёки одамлар орасидан жой олмоқ. *Эски кир чопонни кийгач, айвонга чиқди, ўҳў-ўҳўлаб йўталганча, танчага тиқилди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Нурини нақ мозористонда ёлғиз қолган каби бир ваҳима босди, ранги ўчиб, кампирнинг пинжига тиқилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшик олдида одамлар орасига тиқилиб, Бозорбой ҳам ўтирган экан..* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Кўп миқдорда ва зич, тиғиз жойлашган ҳолатда бўлмоқ. *Мана, бир томондан дераза ўрнига туйнук очилган кичкина қоронғи уйда ўн-ўн беш чоғли хотин ўтирибди. Улар эски, лекин озодагина кўрпа ёпилган сандал атрофига тиқилишиб, секин-секин суҳбатлашишарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

6 *кўчма* Жуда кўп миқдорда бўлмоқ, мўлкўл бўлмоқ. *Магазинда хоҳлаган нарсанг тиқилиб ётибди.* ▬ *-Тут мева қилади-ку, отажон. Қуртлар тол баргини ея қолсин, ариқ бўйида тиқилиб ётибди-ку, — деганди қизалоқ.* Й. Муқимов, Ипак толаси.

7 Томоқдан ўтмай тўхтаб қолмоқ. *Унинг томоғига нон тиқилибди.* ▬ *Сафаров.. муштининг қирраси билан унинг кекирдагига туширди. Йўғон киши чалқанча йиқилди ва сўйилган товуқдай типирчилаб, суяк тиқилган итдай хириллай бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Ўринбоев*] *Шунча қаттиқ гапиргани билан, худди томоғига дон тиқилган хўроздек, овози чиқмайди.* А. Муҳиддин, Тўғри таъбир.

8 Бошқаларнинг гапи, суҳбати ва ш.к. га аралашмоқ, суқилмоқ. *Бу ишга сен тиқилма.* ▬ *Иккинчи навкар яқин келиб, бўйнини чўзиб тиқилди: -Сиз кимсиз? Нега таслим бўламиз? — сўради у.* Ойбек, Навоий.

Жони ҳалқумига тиқилмоқ *айн.* **жони ҳалқумига келмоқ** *қ.* **жон 1.** *Агар ҳар йил жасорат кўрсатамиз десак, жонимиз ҳалқумимизга тиқилиши мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Нафаси тиқилмоқ** *ёки* **нафаси оғзига** (*ёки* **бўғзига, ҳалқумига**) **тиқилмоқ** Нафас олиши оғирлашмоқ (маълум сабаб таъсирида). *..суғдларнинг ашаддий душмани бўлган Эрон шоҳи ва унинг қора ниятлари тўғрисида гапирар экан, ғазабдан нафаси сиқилар, кўзлари ўт сочар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Йўқ, жоним, ёруққина айвон тузук менга, уйда нафасим тиқилиб кетади.* Ойбек, Улуғ йўл. *Тез юриб келганларидан бўлса керак, нафаслари оғзиларига тиқилиб, ҳарс-ҳарс қилардилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *-Қумқишлоққа юборилган йигитлар қирилибди, — деди Бек нафаси бўғзига тиқилиб.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бектемирнинг лаблари қовжираган, нафаси ҳалқумига тиқилган, оғир хансирарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Пинжига тиқилмоқ** Шахсий манфаат, ғаразли мақсад билан кимсага яқинлашмоқ. *Ер-сувли одамлар.. қийналиб қолсалар, дарров уларнинг пинжига тиқилар ё ўртага киши қўйиб, ерни тезроқ ўз қўлига ўтказишга тиришар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ўпкаси ҳалқумига (***ёки* **оғзига) тиқилмоқ** *қ.* **ўпка**. *Бутун вужудини ларзага солган титроқ пайдо бўлди. Ўпкаси ҳалқумига тиқилиб, нафаси қисилди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ТИҚИН 1 Идишларнинг оғзига тиқиб қўйиладиган қопқоқ. *Пўкак тиқин. Шиша тиқин. Бутилканинг тиқини.* ▬ *Шукуржон бутун вужуди жимирлаб кетганини ҳис этиб, фляганинг тиқинини тортди, у бўш эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Ашуртой ака носқовоқнинг шокиладор чарм тиқинини ёпа туриб, салмоқланиб гапирди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 *айн.* **тиқилинч.** *Йўл жуда тиқин ва серқатнов..* ▬ *Больницага [касалхонага] борсангиз, ўзим элтиб қўяман, юраверинг. Трамвайда ҳозир одам тиқин бўлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Мен тиқинда ҳаво етмагандай бўғила бошлайман, деразага интиламан.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Ичига, қобиғига тиқилиб турган, шундай жойлашган. *Йўлдош тиқин рюкзагини орқалади, Ойниса тугун кўтариб олди, бобо билан буви олдинга тушишди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Ҳар кўчатда ўн-ўн икки ва ундан зиёд* ғоз *тухумидай, ана очилай, мана очилай деб турган тиқин пахта.* Ғ. Ғулом. *Синфларда бўш парта йўқ, Мағзи тиқин анордай.* Ғ. Ғулом.

ТИҚИНЛАМОҚ Оғзини тиқин билан бекитмоқ, оғзига тиқин тиқмоқ, тиқин билан қопқоқламоқ. *Бутилкаларни тиқинламоқ.*

ТИҚИНЧОҚ Тиқин 1 с. кичр.-эркл. *Чол унинг қўлидан кўзачани олиб, оғзидаги тиқинчоқни очди.* С. Нуров, Оналар.

ТИҚИРЛАМОҚ «Тиқир-тиқир» овоз чиқармоқ. *Хаёл суриш билан тонг отардагина энди кўзим илинган экан, кўча эшик тиқирлаб қолди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ТИҚИР-ТИҚИР *тақл. с.* Қаттиқ нарсага кучсизроқ уриш ёки урилиш натижасида ҳосил бўладиган қисқа-қисқа, кескин кучсиз овоз ҳақида. *Сичқон тиқир-тиқир қилиб, ниманидир кемирмоқда.* ▬ *Жимжит хонада тарновлардан тушаётган сувнинг шитирлаши, том тунукаларининг тиқир-тиқири ва борлиқни қамраб олган мулойим, аммо салобатли ёмғир шовури эшитилиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТИҚИШТИРМОҚ 1 Кўп ёки катта нарсани талаб этилганидан кичик ёки тор идишга, жойга зўрлаб тиқмоқ; нихталаб, зичлаб жойламоқ. *Китобларни портфелга тиқиштирмоқ. Чўнтакка ҳар нарсани тиқиштирма.* ▬ *-Копток ўйнашни жудаям яхши кўраман, ёзин-қишин чўнтагимда олиб юраман, — деди Зумрад коптокни қайтадан кичкина чўнтагига тиқиштириб.* Ойбек, Улуғ йўл. *Маҳкам ака унга кўз қисиб қўяди, бола кулиб, лунжига нон тиқиштиради.* Р. Файзий,

Сен етим эмассан. *Тутаб ётган чала тўнгак ёнига.. шох-шаббалар тиқиштириб пуфлашдан боши оғриган Жобир ниҳоят бошини кўтарди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 *кўчма с. т.* Бирор жойга, ишга, ўқишга зўрма-зўраки тиқиб қўймоқ, жойлаштирмоқ, жойламоқ. *Ишга қариндошларини тиқиштирмоқ.*

3 Нима бўлса (топса), борини кимгадир беравермоқ. *Учта бўйига етган синглиси бор. Қарамайди. Топганини хотинига тиқиштиради.* «Муштум».

4 Ёқса-ёқмаса, хоҳласа-хоҳламаса, яраса-ярамаса беравермоқ, суқавермоқ. *Болага ҳар қандай овқатни тиқиштиравермаслик керак.* ▬ *Бу ахир расвогарчилик-ку! — деди бир куни Музаффар Муҳамедов. — Бизга қандай пьесаларни тиқиштиришяпти.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТИҚМАЧОҚ 1 Ичига ниқтаб бирор нарса (мас., пахта) тиқилган; дўппайган (қоп, халта ва ш.к.). *Жаъфар ипак фабрикаси томон кетаётганда, портфели озғин бўлади, қайтаётганда, тиқмачоқ бўлиб келади.* «Муштум».

2 *айн.* **тиқмачоқдай.** *Усмонали ака унинг* [*Омонтойнинг*] *қуйиб қўйгандек тиқмачоқ гавдасига.. икки қулоғига етай деб турган мўйловига қаради.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *У ориққина бўлса ҳам, қўли, болдирлари тиқмачоқ..* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТИҚМАЧОҚДАЙ, -дек Етилиб тўлишган; бўлиқ, семиз, лўппи. *Тиқмачоқдай билакларида илон бошли олтин билагузуклар ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшикни икки юзи қип-қизил, украинларга хос пучуқроқ, тиқмачоқдек бир жувон очди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТИҚМОҚ 1 Бир нарсани бошқасига санчиб, суқиб киритмоқ. *Бигиз тиқмоқ. Ханжар тиқмоқ.* ▬ *..ерда ҳам хосият кўп.. Ерга чўпни тиқиб қуйсанг, кўкариб, қулочга сиғмас дарахт пайдо бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамманинг кўз олдида кўксига пичоқ тиқиб, чуқурга ташланган акаукалар турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Эшак: -Бу қирқ йилни нима қилиб ўтказаман? — деган экан, худо: Одамлар устингга юк ортади, ўзи ҳам минади, халачўп тиқади, — дебди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Тешик, очиқ, бўш жойга киритмоқ, юбормоқ. *Бурнига бармоғини тиқмоқ.* ▬ *Бойвачча кавакчадан чўп тиқиб, занжирни туширди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Қурбон ота самоварнинг остига сим тиқаётган эди, қаддини ростлаб, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Нимчаси чўнтагига қўл тиқиб, рўмолчасини олди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У уй олдига келиб тўхтади. Деразадан бошини тиқди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

3 Ичига, орасига олмоқ (солмоқ); жойламоқ. *Қопга сомон тиқмоқ.* ▬ *Олинг, молларни сандиғингизга, пулни чўнтагингизга тиқинг..* «Муштум». *Мирҳомидхўжа шошиб, Қамбарали аканинг қўлидан пулни олди-да, унинг қўйнига тиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қоровул шўра ва ялпизларни ўриб, сув урган жойга тиқа бошлади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 *кўчма с. т.* Бирор ўқиш, иш ёки лавозимга зўрма-зўраки жойлаб, ўрнаштириб қўймоқ, тиқиштирмоқ. *Комиссия таркибига яна сени тиқибдилар-да.* ▬ [*Сухсуров:*] *Мени бутун уруш даврида ўқитувчиликка тиқиб қўйишди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

5 Бировни бирор иш, гап ёки даврага қўшмоқ, аралаштирмоқ, тортмоқ. *Отабек сачраб, Кумушга юз ўгирди: -Бу ўртага Зайнабни келтириб нимага тиқасиз энди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бош тиқмоқ Хонадон, муассаса каби жойга кўриш, билиш ва ш.к. мақсадда кирмоқ, қадам босмоқ. *Кампир энам қиз қидира-қидира, тинкаси қуриди. Қайси эшикка бош тиқса, сўрашармиш: -Савдогарми, боғи борми, уй-жойи борми?* Ойбек, Танланган асарлар. *..меҳмон икки кун ичида шаҳар раста-бозорларини айланди, саройларга бош тиқди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Қизлар у кўчага бош тиқиб, бу кўчага бош тиқиб, адашиб анча юришди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бурнини** (*ёки* **тумшуғини**) **тиқмоқ** Бирор иш, гап-сўз ва ш.к. га аралашмоқ, суқилмоқ. *Нега Нури эркаклар ишига бурнини тиқади? Хизматкор керак бўлса, эри топсин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сен менинг ишимга тумшуғингни тиқма*! Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *У, элликбоши бўлгани учун, маракаларга бурнини тиқади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гўрга тиқмоқ** Ўлдирмоқ. *Биз.. фашистларни гўрга тиқамиз.* Ойдин, Ҳи-

коялар. **Икки бармоғини** (*ёки* **қўлини**) **бурнига тиқиб қолмоқ** *қ.* **бармоқ 1, бурун** I. *Бизнинг шартимиз шуки, сув чиқарилиб, қақир ерларга жон киритилганда, ерсиз ва кам ерли камбағаллар икки бармоғини бурнига тиқиб қолмасин!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Икки оёғини бир этикка тиқмоқ** Айтганини бажаришни талаб қилмоқ, шу талабда ўжарлик билан туриб олмоқ. *-Ё бино топ, ё бизнинг жавобимизни бер, — деб икки оёқларини бир этикка тиқиб туриб олишди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. **Икки қўлни** (*ёки* **беш панжани**) **оғзига тиқмоқ** *айн.* **беш қўлни оғзига урмоқ** *қ.* **беш. Терисига сомон тиқмоқ** *қ.* **тери**. *Яхшиямки, бояги гапларингизни ўғлим эшитмади, йўқса, терингизга сомон тиққан бўлар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ТИҚ-ТИҚ Тиқ с. такр. *Ёнғоқли боғ эшигин* [*Олимжон*] *чақирди тиқ-тиқ уриб. Барваста бўйли киши чиқди: «Ким?» деб ҳол сўриб.* Қ. Муҳаммадий.

ТИҒ [*ф.* تیغ — қилич, ханжар; тикан, тиканак; нур] **1** Қилич, ханжар, пичоқ, найза каби совуқ қуролларнинг умумий номи. *Тиғ яраси тузалар, тил яраси тузалмас.* Мақол. ▬ *Аммо тиғ тегиб, қўл ёки оёғи узилганлар оҳ-воҳ уриб, мадад кутиб ётарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Эрназар жаллод, Шералини сиёсат билан йиқитди ва пўлат тиғини қинидан тортди.* «Эрали ва Шерали».

2 Кесувчи асбоб, қурол-яроғ ва ш.к. нинг кескир қирраси, дами; турли машина, механизм ва ш.к. нинг кескич қисми. *Болтанинг тиғи. Қиличнинг тиғи.* ▬ *Кетмон тиғини қайирадиган тош-метин эски пахсаларни қизлар неча чақирим ердан ташиб келиб, далага тўкишди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Қайнарнинг бўйдор ўтлари косилкаларнинг беомон тиғлари зарбидан юзтубан йиқиларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ништар, найза каби асбобларнинг ўткир учи, найзаси.

Тиғ тегизмоқ (*ёки* **урмоқ**) 1) бирор асбоб, қурол билан кесмоқ. *Тепа шохга асло тиғ тегиза кўрманглар.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

4 *с. т.* Ствол, мил. *Қўш тиғ милтиқ.* ▬ *Вагондан энг кейин тушган ва милтиғини тиғидан ушлаб, кетмондай елкасига қўйиб келаётган Аҳмаджон..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 *кўчма* Умуман, тиғ, найза каби таъсир ўтказувчи нарса, куч. *Зулм тиғи. Жабр тиғи.* ▬ *Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил.* Ҳамза. *«Уччига чиққан маъмуриятчи» деган сарлавҳа остидаги мақоланинг ўткир тиғи Ойқизга қаратилган бўлса ҳам..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Тиғ кўтармоқ Қурол-яроғ билан урушжангга хезланмоқ, жангга кирмоқ, жанг қилмоқ. *Тақсир, узр, фуқарочилик, адолатсизликка қарши яна тиғ кўтаришга тўғри келди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. **Тиғ урмоқ** (*ёки* **тортмоқ**) Тиғ-яроғ билан зарб бермоқ. *Тиғ уриб яраламоқ.* ▬ *Қайси фарзанд отасига тиғ тортар.* «Рустамхон». **(Дами) тиғдан ўтказмоқ** Ёппасига тиғ-яроғ билан ўлдирмоқ. *Подшоҳ: -Ҳеч ким менга шу сирни ошкор қилмаса, шаҳар халқини дами тиғдан ўтказиб, тупроқ билан баробар қиламан, — дебди.* «Эртаклар». *Яқинда Али уйқудан туради, зулфиқорини кўтариб, диндан чиққан.. бандаларни тиғдан ўтказади, дедилар.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Қуёш** *(ёки* **кун, саратон) тиғи** 1) қуёш нури, шуъласи, ёғдуси. *Кун тиғида ёниб-ўчиб Кўринади кетмонлар.* Т. Тўла; 2) қуёш ҳарорати. *Кунларнинг бирида, саратоннинг тиғида боғбоннинг этлари увушибди, томоғи қуришибди.* Ё. Шукуров, Уч савол. **Қуёш** (*ёки* **кун, тонг**) **тиғ урди** (*ёки* **тортди, ёйди, ёрди**) Қуёш чиқди, қуёш нур, шуъла таратди, ёғду сочди. *Кун тиғ уриб қолган эди. Ўрталик аллақачон ёришган.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Кун тиғ тортиб, дарёнинг у томонидаги адирларнинг сирти тўқ яшил, жилғалари қора тусга кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шарқ осмонининг тепасида тонг тиғ ура бошлаган бўлса ҳам, деворлар, дарахтлар ичига кўмилган шаҳар ҳали анча қоронғи эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чошгоҳ маҳалида қуёш булутлар орасидан тиғ ёриб чиқди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Қўлга тиғ олмоқ** *айн.* **тиғ кўтармоқ**. *Урушни бошлаган мен эмас, сенсан, энди жазосини тортасан ўзинг, Қўлга тиғ олишга мажбур этган сен. Энди шу тиғ билан ўйилар кўзинг.* Уйғун.

ТИҒА [*ф.* تیغه — тиғга ўхшаш нарса; қилич ёки пичоқ дами; тоғ чўққиси] **1** *эск. айн.* **зенит 1.** *Кун тиғага келганда, уйга қайтдик.* ▬ *Кун тиғада, жазирама, чанг.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *с. т.* Қуёш ҳарорати; қуёш нури кўп ёғилиб, қиздириб турган жой. *Офтоб тиғасида ётмоқ. Кун тиғасида терлаб-пишиб ишламоқ.*

ТИҒДОР [*ф.* تيغدار – тиғли, тиғи бор; тиғ эгаси] **1** Кесадиган, тиғли. *Бир газли тиғдор пичоғини қайраб турган қассоб, дадаси етаклаб келтирган қўйнинг калласини шартта кесиб, гўштини бошқа, суягини бошқа қилиб қўйган эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 *кўчма* Ўткир, аччиқ. *Тиғдор тил. Тиғдор гап.*

ТИҒИЗ 1 Бир-бирига жуда яқин жойлашган; оралиғи қисқа; зич, қалин. *Тиғиз дарахтлар. Залда одам тиғиз. Тиғиз ўтқазилган кўчатлар.* ▬ *Энди улар анча зич-тиғиз қаторлар билан илгариларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тутқун сасни тополмадим Тиғиз ўрмонларда ҳам.* М. Шайхзода. *Мажнунтол барглари орасидан сирқиб тушаётган ёмғир томчилари қизнинг пайваста қошларига, тиғиз киприкларига теккан.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Муайян иш (ишлар) учун вақтнинг камлиги, қисқалиги; зиқ. *Кузакдаги баракали хирмон шу тиғиз кунлардаги ишнинг унуми ва сифатига боғлиқ.* ▬ *-Вақт тиғиз. Ҳали билет ҳам олганим йўқ,— деди Маҳмуд.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Агар меҳмоннинг вақти тиғиз бўлса, ҳар бир уйдан бир нарса олиб чиқилиб, дастурхонга қўйиб чиқилади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

3 Бажарилиши лозим бўлган ишлар кўп ва у тез суратда, узлуксиз бажарилиши лозим бўлган ҳолат; шошилинч, ошиғич, қисталанг. *Анҳорда икки обжувоз ва икки тегирмон ишлаб туради.. Шунга қарамай, иш тиғиз.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Далада ишнинг тиғиз вақти ўтгани учун мардикорларга бундан бир неча кун илгари жавоб берилган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИҒИЗЛАШМОҚ Тиғиз ҳолатли бўлмоқ (*қ.* **тиғиз**). *Ораси тиғизлашди. Вақти тиғизлашди. Ишим тиғизлашди.* ▬ *Йиғим-терим бошланиб, йўлларда қатнов янада тиғизлашиб қолди.* Газетадан.

ТИҒИЗЛИК Тиғиз ҳолатдалик. *Экиннинг тиғизлиги. Аҳолининг тиғизлиги. Вақт тиғизлик қилди. Иш тиғизлигидан театрга боролмадим.* ▬ [*Нури Йўлчига:*] *Ҳали шошманг, деганимга кўнасиз ахир, – деди-да, вақтнинг тиғизлигидан хавфланиб, деразани оҳиста ёпди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Далада ишнинг тиғизлигини баҳона қилиб, бувисини икки-уч кунда сайр қилдирадиган бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТИҒЛАМОҚ *кт.* Тиғ урмоқ, кесмоқ.

Бағрини *(ёки* **кўксини, юрагини) тиғламоқ** Руҳий ёки маънавий азоб бериб, эзиб, юрагини доғламоқ, яраламоқ. *Бу ўйлар кичик Умидни азоблар, бағрини тиғларди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ғам ханжари билан кўксин тиғлади.* Ғайратий. *Сени дея кўп йиғладим, Юракларимни тиғладим.* «Нигор ва Замон».

ТИҒЛИ 1 Кесувчи ёки найзали асбоб билан қуролланган, тиғи бор; тиғдор. *Тиғли киши. Тиғли машина.*

2 Кескир қирраси, найзаси, дами бўлган. *Икки тиғли ханжар.* ▬ *Олдинда – қўлларида биттадан калтакча, белларида ингичка тиғли дудама пичоқлар осилган икки киши юрмоқда эди. Булар жаллод эдилар.* С. Айний, Қуллар.

3 *кўчма* Тиғдор, кесадиган, санчиладиган.. *Тиғли тил. Тиғли гап.* ▬ *Бу сўзлар анча тиғли бўлса ҳам, Гулсум холага оғир ботмади.* «Қаҳрамоннома».

ТО [*ф.* تا – =гача, қадар, =гунча] Гапдаги ўрин, пайт ва ш.к. маънони таъкидлайди, таъкидлаш, кучайтириш учун хизмат қилади. *Тонг отгандан то кун ботгунча ишладим. Тошкентдан то Қаршигача ухламадим. Етти ёшдан то етмиш ёшгача..* ▬ *Кўзойнакни тақиб, эрталабдан то шомгача, баъзи вақт кечалари ҳам ўқиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пастдан то чўққиларигача митти-митти чуқурчалар, токчалар қопланиб ётибди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Раҳим Саидов то бир қарорга келгунча, Саид ака масалани ҳал қилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Ҳар кун тонг қоронғисида ишга тушиб, то пешин намозига қадар ҳеч қаёққа қўзғалмайдиган «бачканадўз» бу кун қиём бўлмасданоқ дўконхонадан чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОАБАД [*ф.* + *а.* تاابد – абадийликкача, доимий] *қ.* **абадий**. *Ўша кунлар унутилмас, Қолур тоабад.* Р. Бобожон. *Маърифату ободлик чироғини ёққан киши тоабад ўлим билмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОАТ [*а.* طاعت – итоат қилиш, бўйсуниш; итоаткорлик] **1** *дин.* Худога сиғиниш, ибодат. *Бир соат тафаккур бир йиллик тоатдан афзал.* Ойбек, Навоий.

Тоат қилмоқ Худога сиғинмоқ. *Менимча, олтмиш йил қуруқ тоат, ибодай қилгандан кўра, бир соат одил бўлмоқ савоблироқдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ТОАТ-ИБОДАТ [тоат + ибодат] **1** *дин.* Узлуксиз тоат ва ибодат; тоат ва ибодатлар. *Кўкча маҳалласидаги «кулбайи вайронаси»да тоат-ибодатга муккасидан кетган эмиш.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қолган умримни бир чеккада узлатда худойи таолога сиғиниб, тоат-ибодатда ўтказмоқчиман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма с. т.* Кишининг бирор мақсад билан қилган бутун ҳаракати, уринишлари. *Ойи! Шу дорини топмасам, бутун қилган тоат-ибодатларим бекорга куйиб кетади!* С. Анорбоев, Оқсой.

ТОБ [*ф.* تاب – куч-қувват, чидам, дармон; иссиқлик; ёниш, ёғду; дард, азоб] **1** Киши организмининг ҳолати; соғлиқ. *Тобим яхши. Тоби дуруст эмас.* ▬ *-Ота, тобингиз жойидами? – деб сўради йигит ташвишланиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тоби айнимоқ (*ёки* **қочмоқ**) *ёхуд* **тоби келишмаслик** Соғлиғи салбий томонга ўзгармоқ, соғлиғи ёмонлашмоқ. *Шу кунда сал тобим айниб юрибди. Ўлиб-нетиб қолсам..* С. Аҳмад, Уфқ. *Жиндай тобим келишмай қолди..* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Ўриклар данак қотирганда тобим қочиб қолди.* М. Мансуров, Ёмби. **Тоби йўқ** Соғлиғи дуруст эмас; касал, бетоб. *Бунинг олдидан кетолмай қолдим, ота, тоби йўқ.* А. Мухтор, Чинор.

2 Меъёрига етиш, етилиш (етилганлик) даражаси, ҳолати. *-Ернинг тоби бундан ортиқ бўлмайди, – деди у синовчан назар билан ёнидагиларга қараб.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳосил мўл, тобида силос қилмасак, шираси камайиб, бурди кетади.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Сайислар билади отнинг тобини.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

Тобига етмоқ (*ёки* **келмоқ**) Фойдаланиш, ишлатиш учун тайёр ҳолга етмоқ (келмоқ); етилмоқ. *Кечагина пахталари бодроқдай очилиб ётган далалар шудгордан кейин қор остида бўрсиллаб ётибди, тобига етаяпти.* Газетадан. *Сўфининг танларига бирдан ўт туташгандай бўлди. Бутун вужуди қизиган танурдай [тандирдай] тобига келган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Балиқ шўрва келди тобига чоғи, Дастурхонга чўкди овчилар шу чоқ.* М. Икром, Балиқ овида.

3 *кўчма* Хоҳиш-истак, майл, рағбат. *Ишга тобинг борми, жиян?* Ойбек, Танланган асарлар. *На ўқишга, на юмушга тоби йўқ, таъби нозик..* «Гулдаста».

4 Чидам, тоқат. *Тоб бермоқ.* ▬ *Отангга берма азоб, Азобга қолмаган тоб.* Ҳ. Олимжон.

Тоб бермоқ Туриш бермоқ; чидамоқ. *Низомиддинов унинг ўтли қарашига тоб беролмай, аста-аста юриб, дарвозадан чиқди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Тоби йўқ** Чидамайди. *Лаънатининг хотин олишга ихлоси баланд-у, катта чиқимга тоби йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Тафт, дам. *Қорамтир, қўнғир, пушти булут карвонлари гўё қизил шуъла тобидан шарққа шошилиб қочар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тоб бермоқ Тафтига (дамига) тутмоқ; тобламоқ (тобланмоқ). *Мана, кўз ўнгимизда қуёшнинг ҳаётбахш тафтига тоб бериб, кенг пичанзор водий ястаниб ётибди.* Газетадан.

6 *шв.* Худди, нақ. *Сен опанг Жумагулнинг тоб ўзисан, лекин бир озгина фарқинг бор, холос.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Тоб ташламоқ 1) айниб, қинғир-қийшиқ, эгри-бугри бўлиб қолмоқ (асосан ҳўл ёғоч, эшик, ром ва ш.к. ҳақида). *Эшик тоб ташлабди.* ▬ *Дангаса меҳнат учун бермайди тоб, Офтобда ҳўл ёғоч ташлайди тоб.* Ҳабибий. *Икки зинадан кўтарилди. Тоб ташлаб, тахталарининг ораси очилиб қолган юпқа эшикка рўпара бўлди.* С. Нуров, Нарвон; 2) *кўчма* айниб, лоқайд, суст бўлиб қолмоқ; путурдан кетмоқ. *Келдиёров уларни гап билан узиб олди: -От-улов баҳона, ўзларинг тоб ташлаб қолгансизлар.* «Муштум». *Чол ҳали-бери тоб ташламасди. Кенжамиз аварияда нобуд бўлгандан сўнг синиб қолдилар.* Н. Қобил. **Тобга олмоқ** Тобига келтириш ҳаракатини қилмоқ; тобламоқ. *Шуйтиб қистаб йўл тортди, Тобга олиб Ғиротди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. **Шу тобда** Ҳозирнинг ўзида, шу вақтда. *Лекин шу тобда қизнинг бағрини бир нарса қаттиқ ўртади ва у ўкириб йиғлаб юборди.* «Ёшлик»

ТОБАКАЙ [*ф.* تابه‌کی – қайси пайтгача; токайгача] *кт. кам қўлл.* Токай, қачонгача. *Ўлдирур ҳижронларингиз тобакай, Борму охир ҳеч асло меҳрингиз.* Муқимий. *Тобакай масхара бўламиз, Тобакай хотинлар қирғини?!* Т. Тўла.

ТОБЕ [*а.* تابع – кимсага эргашувчи; қарам, бўйсунувчи; бировга қарашли] **1** Ҳоким қўл остидаги, унинг ҳукмида бўлган; қарам. *Тобе мустамлакалар.* ▬ *Қиличин бўйнига солиб, Шакарбекка тобе бўлди.* «Ширин билан Шакар». *..укалари Суюрғатмиш мирзо билан Муҳаммад Жўқийларни келгусида ўзига тобе Мовароуннаҳр ҳокимлари этиб тайинлашни кўзларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Лавозим, мавқе ва ш.к. жиҳатдан қуйида бўлган, бўйсунувчи. *Кейин секин-аста даражаси юқори кимсалар билан гаплашиб, тобе кишиларга қарамайди..* Мирмуҳсин, Умид. *Жавлонбек юраги ҳапқириб, сесскангандек бўлди, бироқ бу ерда сир бой бериш ўзига тобе одамларни ҳам қўлдан бериш билан баробар эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 Шарт-шароит ёки муҳит жиҳатидан бўйсунган, боғлиқ, алоқадор. *Бу оилада ейиш-ичиш белгили тартиб ҳам режага тобе эса-да, ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тобе қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Бўйсундириб, ўз ҳукми остига олмоқ; бўйсундирмоқ. *Комилнинг зийрак зеҳнида чақнаб қоладиган ақл учқунлари.. уни ҳайратда қолдирар, натижада шу ёш йигит уни ўз иродасига тобе қилиб қўяр эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Амирак Аҳмадни йўқотиб, ўрнига ўз ўғилларидан бирини қўймоқ, Фарғона вилоятини тобе этмоқ Шоҳрух салтанати мавқеини кўтаришда ғоят муҳим масала эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОБЕЛИК Тобе ҳолатдалик; қарамлик. *Иқтисодий тобелик.* ▬ *Хонзодаларни ҳар кўринган кимса мазахлаб юрса, қора халқда тобелик, икром, андеша қолурму?* С. Сиёев, Аваз.

ТОБЛАМОҚ I **1** Тафтига, алангасига тутмоқ, қиздирмоқ. *Чўпон ота.. пахмоқ соқолларини силаб, бағрини офтобга тоблаб, тоғ бағрига ёнбошлади.* Ойдин, Фарҳодлар. *Зокир Ўринович печга қўлларини тоблаб, бир оз иситгач.. жавон ёнига борди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 *махс.* Махсус қурилмада қиздириш ва б. йўллар билан ишлов бериш орқали етилтирмоқ, тобига келтирмоқ. *Темирдан уранни қилоламиз фарқ, Пўлат тобламоққа ўз кўрамиз бор.* Р. Бобожон.

3 *кўчма* Чидам-бардошли қилиб етиштирмоқ; чиниқтирмоқ. *Мамажон-ку пишиган, ҳаёт обдан тоблаган уни.* С. Нуров, Нарвон. *Кураш оловида тоблaдик ўзни, Тарих жилдларида шуҳратимиз бор.* Р. Бобожон.

ТОБЛАМОҚ II **1** Пишитмоқ, эшмоқ, чийрамоқ. *Ипни тобламоқ.*

2 Чиройли, кўркам қилиб ўрмоқ (соч ҳақида). *Тоблаб зулфин ўрган борми? Ёрман суҳбат қурган борми? Ёки бирга юрган борми?* «Равшан».

ТОБОН [*ф.* تابان – ёруғ, порлоқ, ялтироқ] (*биринчи о – чўзиқ*) *кт.* Ёрқин нурли, порлоқ. *Ул кун, жонон, юзни тобон айладинг, Абр ичинда ойни пинҳон айладинг.* Муқимий.

Моҳи тобон *қ.* **моҳ. Хуршиди тобон** *қ.* **хуршид.**

ТОБОРА *рвш.* Вақт ўтган сари, борган сари. *Шаҳримиз тобора ободонлашмоқда. Нархлар тобора пасаймоқда.* ▬ *Чирчиқ тоғларидаги қорлар эриб, дарё суви тобора кўпая борди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Унинг вужудини қамраб олган ўт аста-секин пасайиб, кўнгли тобора совий бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТОБОҚ *шв.* *қ.* **товоқ.** *Палов сузилиб, учовара бир тобоқ бўлди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Азизим, деб олиб келди Лаъли тобоқда ошини.* «Гулшанбоғ».

ТОБ-ТОҚАТ, тобу тоқат [тоб + тоқат] Сабр-тоқат, чидам, бардош. *Кутишга сира тоб-тоқат қолмади.* ▬ *Отаси қул, онаси чўри бўлиб ўтгани етар.. боламизнинг қул бўлишига тоб-тоқатим йўқ.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ТОБУЛҒИ, тўбилғи Раъногулдошларга мансуб, тоғли ерларда, жарликларда учрайдиган бута ўсимлик. *Уйда ўтин йўқ эди. Онам икковимиз тоғдан тўбилғи чопиб келгани бордик.* С. Муродбеков, Ёвшан иси.

ТОБУТ [*а.* تابوت – сандиқ, қути; тобут; қабр] Дафн маросимида ўликни солиб, мозорга елкама-елка кўтариб бориладиган тўрт дастали мослама. *Ўликни тобутга солмоқ.* ▬ *Жасад ювилиб, кафанлангандан кейин, пешинга яқин тобутни кўчага олиб чиқдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зум ўтмай одамлар тўдаси тобутни лопиллатиб, кўча томонга йўл олди. Ёдгор бир вақтлар тобут кўтариш савоб, деган гапни эшитган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Тобутим кўрсин Ўлганимда кўрай, асло кўрмай. *Мен бошқани севмайман. Тобутим*

кўрсин ўша Бозоровни! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТОБУТКАШ [*а.* + *ф.* تابوتکش – тобут кўтарувчи] **1** Тобут кўтарувчиларнинг ҳар бири. *Бирдан тобуткашлар ҳаракатга тушиб қолишганда, хотин-халаж уввос тортиб йиғлай бошлаган эди..* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 *кўчма* Яхши-ёмон кунларда бир-бирига ҳамдам, ҳамдард бўлувчи бир ерли кишилар. *Йўқ, қизим, ўйлаб гапиринг. Ман, қари одам, беш кунлигим борми, йўқми, бошқа шаҳарда мусофир бўлиб юраманми? Ахир менинг тобуткашларим бунда.* Мирмуҳсин, Умид. *-Жамоат, – кекса бой.. салмоқли равишда гапира бошлади, – алҳамдулилло, ҳаммамиз мусулмонмиз.. бир маҳалладамиз, тобуткашмиз..* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОБУТСОЗ [*а.*+ *ф.* تابوتساز – тобут ясовчи] Тобут ясовчи уста; тобутчи.

ТОБУТХОНА [тобут + хона] Масжид ҳузуридаги тобут сақланадиган жой. *Мактабхона ва тобутхона деб аталадиган, бирбирига ўхшаш бу икки хунук бино ва бу ердан эшитилаётган шовқин Элмуроднинг вужудида кўп ёқимсиз таъсир қолдирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТОВА [*ф.* تابه / تاوه – това; кастрюлька] Қовурма овқат пишириш, қўрга кўмиб таом тайёрлаш учун ишлатиладиган, гир атрофи қайрилган ясси металл идиш. *Чўян печка устидаги каттагина товада қовурдоқ вижиллаб пишар эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Ота чой дамлади, қўрга кўмиб қўйилган товадан иссиқ нон олди.* А. Мираҳмедов, Қўйлар қўзилади.

ТОВАР 1 *иқт.* Талаб, эҳтиёжни таъминловчи барча нарса, маҳсулот; сотувчилар ва харидорлар ўртасида олди-сотди, бозор муносабатлари объекти. *Товар айирбошлаш. Товар биржаси.* ▬ *Аммо хотиржам бўлинг, мен сизни товарлардан сиқмайман.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *эск.* Матонинг ипакдан тўқиладиган, таги билан гулининг ранги бир хил, ялтироқ бир тури. *Оқ товардан кўйлагим Кўк тиканлар илмасин.* «Қўшиқлар». *Шаҳзоданинг кўйлагини йиртиб ташлади, товар пешматини бир томонга ирғитди-да.. бир қўли билан кўксига чанг солди..* К. Яшин, Ҳамза.

ТОВАРШУНОС Товаршунослик бўйича мутахассис.

ТОВАРШУНОСЛИК Савдо объекти бўлмиш товарлар, уларнинг навлари, хусусиятлари, сифатлари, истеъмолий аҳамияти ҳақидаги билимлар соҳаси ва уларни эгаллаган кишининг касби. *Олимлар Ҳожинова ёқлаган диссертацияда тўқимачилик товаршунослигини.. бойитадиган янги маълумотлар борлигини таъкидладилар.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ТОВБА *қ.* **тавба**. *-Ҳозир граммофонда қизиқчилик қилаётипти, – деди Ёрмат. Йўлчи «товба», деб ўрнидан турди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Турсун хола, ё товба, деб юзини учирди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ТОВВА I *с. т.* Тавба; пушаймон. *Товва қилмоқ.*

ТОВВА II Ошиқнинг олчига қарама-қарши силлиқ томони.

Ошиғи товва Иши юришмаган, иши пачава. *Нега менинг ошиғим товва-ю, уники олчи? Унинг мендан нимаси ортиқ?* С. Анорбоев, Оқсой.

ТОВКАР *қ.* **тавкар.** *Буди-шудини ютқазган нимдош қиморбозлар товкардан чиқиб.. қон талашган кўзларини ерга тикканча оғир хаёлга ботган эди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТОВЛАМАЧИ Кишиларни товлаб, лақиллатиб, қўрқитиб кун кўрувчи; фирибгар. [*Сидиқ*:] *Муҳаббат севгини, ор-номусни товламачи бир савдогарга сотди, виждонни латта-путтага айирбош қилди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Китоб ниҳоятда қизиқ, товламачи Далла деган бир хотиннинг қилмишлари ҳикоя қилинар эди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

ТОВЛАМАЧИЛИК Алдаш, лақиллатиш, қўрқитиш йўли билан кишининг мол-мулки, пулини олиб қўйиш, ундан фойдаланиш; фирибгарлик. *Товламачилик қилмоқ.* ▬ *-Аҳволингизни билмас эканман, – деди товламачилик санъатини ишга солиб.* «Муштум».

ТОВЛАМОҚ I *с. т. айн.* **тобламоқ** I **1.** *Қўлини ўтга товламоқ.* ▬ *Қишлоқ халқининг кўпчилиги далада эди. Гузарда ўн бешйигирма чоғли – ўзини офтобга товлаб ётган ишёқмасларгина бор эди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Элмурод титраб-қақшаб, уларнинг олдига борди-да, музлаган қўлларини ўтга товлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Меҳрини товламоқ Меҳрини уйғотмоқ. *Василахоннинг қоп-қора чарос кўзлари, камон қошлари Хадича холанинг меҳрини товлаб юборди.* Т. Алимов, Совға. *Ҳар куни бир ёқимтой қилиқ чиқариб, меҳрингни товлайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 *айн.* **тобламоқ** I **2**. *Кулаланинг қўлидан фақат чархлаш, теша товлаш келади.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

Бош товламоқ *айн.* **бош тўлғамоқ, бош тортмоқ 2** *қ.* **бош.** *Узоқламай Нормуҳаммад қушбеги Қўқондан бош товлаб, ўз олдига мустақил ҳукумат эълон қилган бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Борди-ю, дарҳақиқат, сен ўйламаган экансан, озгина чой-чақани аямасанг, Азроил ҳам справка беришдан бош товламайди..* С. Абдулла, Соялар. **Бўйин товламоқ** *қ.* **бўйин**. *..ташкилий ишларнинг Мирзага топширилиши унга жуда ёқиб тушган, уларнинг биронтасидан ҳам бўйин товламаган эди.* О. Ёқубов, Мирзатерак.

ТОВЛАМОҚ II Эшмоқ, ўрамоқ; бурамоқ, тўғриламоқ. *Оталаримизнинг кўпчилиги майда косиблар.. мешкоб, арқон товлайдиган.. бўлганликлари учун уларнинг ёнига тушиш бизга тўғри келмас эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Олдимдан бир қизча чиқди Зулфини товлаб.* «Бойчечак». *Очилдов шаштидан қайтгандай мўйловини товлаб, мийиғида кулди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ТОВЛАМОҚ III Алдаб, лақиллатиб, қўрқитиб, бирор нарсасини ёки пулини олмоқ, юлмоқ, анойи қилмоқ, фириб бермоқ. *Лақмаларни товламоқ.* ▬ *Сен меҳнат қилмас экансан, демак, бошқалар ҳисобига яшаяпсан, жамиятни товлаяпсан.* Газетадан.

ТОВЛАНМОҚ 1 Муайян бир тусда жилваланмоқ; ярқирамоқ. *Жавҳар кўчага чиққан маҳал қор тинган, ҳамма ёқ кумушдай товланиб, тун қоронғисини оппоқ ёритиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ёқутдек товланаётган тоифи узум уюлган тоғора орқасида.. Даврон тоға мўйлов силаб турарди.* Н. Аминов, Суварак. *..оч ҳаворанг товланиб турган ложувард парчаларига* [*кўзини*] *тикди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Турли ранг, оҳанг билан аксланмоқ, ифодаланмоқ. *Қиз бошига товус пари каби ранг-баранг товланадиган шойи паранжи ёпиниб, юзига докадан парда ташлаб юраркан.* С. Айний, Эсдаликлар. *Кампир билан етти бола, ўн олти неварани катта қилганмиз, биронтасини чертган эмасман, ўғлим, — деди товуши товланиб чол.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 *кўчма* Гап-сўзи, хатти-ҳаракати билан турли қиёфага кирмоқ. -*Бўлганим шу, мен сизга ўхшаб товланишни билмайман. -Ие, товланиш сиздан бери келмасин.* Уйғун, Ҳуррият. *Аваз буқаламунга ўхшаб товланувчи бу муллаваччани жини суймаса-да, дўкондан нари қувмас эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Нима қилардингиз ҳалидан бери минг хил товланиб.* А. Мухтор, Чинор.

Меҳри товланмоқ Меҳри уйғонмоқ, қўзғалмоқ. *Пошша холанинг меҳри товланиб кетди: -Вой, онанг айлансин! Рангини шунчалик олдириб қўйибди-я, болам бечора.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Зубайданинг Шаҳзодага яна меҳри товланиб, кўксига бошини қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТОВОН I **1** Оёқ кафтининг орқа қисми. *Юмшоқ тупроққа қадам қўйганингда, товонинг ҳузур қилади.* ▬ *Калишда терлаб, товонлари қорайиб кетган оёқларини сувга тиқиб шалоплатди, жони роҳатланди.* «Ёшлик».

2 Оёқ кийимининг шу жойга тўғри келадиган қисми. *Товони тешик маҳси. Товони қора пайпоқ.* ▬ *Авазнинг ҳам товони тешилаёзди, ковушининг бутуни қолмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТОВОН II [*ф.* تاوان — жарима, пеня, ҳақ тўлаш] **1** Келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган ёки олинадиган ҳақ. *Товон олмоқ. Товон тўламоқ.* ▬ *Келган балою қазо ўшанга урсин. Товон тўлаб, нафсониятимниям ерга урманг.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

2 Ж.к. даги сўз билан қўлланиб, бирор нарса, иш-ҳаракатнинг шу келишикдаги сўз билдирган шахс зиммасида эканлигини билдиради. *Рўзғорнинг икир-чикир ишлари қизи Зуҳрага товон.* А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор.

Тирик (*ёки* **қуруқ) товон** Бутун эҳтиёж, туриш-турмуши кимсанинг зиммасида бўлган шахс. *Мен колхозингга тирик товон бўлишни истамайман.* О. Ёқубов, Диёнат. *Қийнаб қўяман, деб ўйламаган эдим. Мен сизга тирик товон бўлдим.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Нима иш келаркан унинг қўлидан. Қуруқ товон-ку!* С. Зуннунова, Гулхан. **Товон тўлаш** *ҳуқ.* Фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган моддий зиённи ёхуд унинг ўзига етказилган маънавий

зарарнинг ўрнини қоплаш. **Товонига қолмоқ** Юз берган зарар ёки ҳодиса учун товон тўловчи, жавобгар бўлиб қолмоқ. *Велосипедга эҳтиёт бўл, бузиб қўйсанг, товонига қоласан.* ▬ *..бас қилайлик, бирор кор-ҳол бўлиб, тағин товонига ҳам қолиб ўтирмайлик.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ишқилиб, янгамнинг юраги яхшими? Яна товонларига қолиб ўтирмайлик.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТОВОНБАЛИҚ Чучук сувларда яшайдиган балиқларнинг бир тури.

ТОВОР *қ.* **товар 2**.

ТОВОҚ 1 Юзи ёйиқ, бир оз ялпоқ, коса шаклидаги чуқурроқ идиш (турли ўлчамда сопол, чинни, металл, баъзан мармардан тайёрланади). *Сопол товоқ. Чинни товоқ. Тунука товоқ.* ▬ *Комил товоқларда қаймоқ, ликопларда узум кўтариб кирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Буви, юзини сузиб турган сутли товоқни ерга қўйиб, «нима деяпсан?» дегандай Муродга қарадилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

Норин товоқ Норин сузиладиган катта коса ёки товоқ. *Отабек шошиб токчадан хитойи норин товоқни олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *шв.* Лаган. *[Ваҳоб] Бир товоқ хушбўй паловни келтириб, олдимизга қўйди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

3 *с.т.* Пластинка (патефон, радиола пластинкаси). *Эрталаб ҳосилотнинг хотини патефон товоғини сўраб чиқибди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТОВОҚДОШ *кам қўлл. айн.* **ҳамтовоқ**. *-Биз.. — деди отам, — ишнинг боришидан оқибати нима бўлишини сездик: агар товоқдошларимизга қарасак, ўшанча турли-туман лаззатли таомлар олдидан оч қорин билан шаҳарга қайтишимизни билдик.* С. Айний, Эсдаликлар.

ТОВСИЛЛАМОҚ I *айн.* **товсилмоқ.** *Талон-торож, бости-бостилар товсиллаб, Самарқанд ёнида Бухоро ҳам бир қадар осойишта тургани туфайли йиллар тез кечаётгандай туюлар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОВСИЛЛАМОҚ II *шв.* Иккиланмоқ, нима қиларини билмай турмоқ; тортинмоқ. *-Ке, ошна, — дея, товсиллаб турган Саноқулни ичкарига ундади.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ТОВСИЛМОҚ Сийраклашиб, камайиб қолмоқ, тортилмоқ; босилмоқ. *Умматали кўчага чиққанда, тун соат ўн бир бўлиб қолган, одамлар ҳаракати анча товсилган эди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Терим суронни товсилиб, сал нафасни ростлаганларидан кейин, Қодиржон: «Энди хотиним билан маслаҳатлашишга фурсат етди», деб билди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

Оёғи товсилмоқ Одамлар келди-кетдиси, йўлдаги ҳаракати сийраклашмоқ, камаймоқ. *Оқшом, одамлар оёғи товсилгач, эшикни ичидан танбалаб, девор ошиб, кўчага чиқдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ТОВУС [*а.* طاووس — товус] Қирғовуллар оиласига мансуб, ранг-баранг патли, эркакларининг думи елпиғич шаклли чиройли қуш. *Товус каби айлаб хиромон, Рақсга тушди бир гўзал жонон.* Э. Воҳидов.

ТОВУТ *с.т.* Тобут.

ТОВУТКАШ *с.т.* Тобуткаш.

ТОВУШ 1 Гапириш, куйлаш, қичқириш, йиғлаш ва ш.к. вақтида юзага келадиган ва эшитиш аъзолари қабул қилиб оладиган ҳодиса; овоз, садо, сас. *Мунгли товуш. Йиғи товуши. Шамолли кун қичқирма, товушинг зое кетади.* Мақол. ▬ *Қорайган том бўғотларида қўноқлаётган чумчуқлар қулоқни тешгудай товуш билан чирқиллашади. Мачит томондан сўниқ азон товуши эшитилади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *«Бемор Бакиров, укол!» деган товушдан уйғониб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *«Қани, ҳо, йигитлар! Ишга! Ишга, азаматлар!» деган товуш эшитилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Олимхон ака, — деди ялинган товуш билан Танти, — Салим ўз дадаси билан ҳазиллашмоқчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бор товуш(и) билан *ёки* **товуши борича, товушини баралла қўйиб** Овози борича, энг қаттиқ, баланд овози билан. *Бор товуши билан қичқирмоқ.* ▬ *Мутал товушини баралла қўйиб сўзлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Товуш бермоқ** Товуш чиқариб, ўзини, борлигини билдирмоқ. *Мен бошда индамай биқиниб турдим, кейин товуш бердим.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан. **Товуш чиқармоқ** 1) овозини эшиттириб гапирмоқ (ўқимоқ ва ш.к.) *Хатни товуш чиқариб ўқимоқ.* ▬ *Чол ўтирган ерида товуш чиқарди: -Ўртоқ Нурматовнинг ўзлари айтсинлар!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ; 2) индамоқ,

бирор нарса демоқ, гапирмоқ. *Саид Жалолхон товуш чиқармай, унинг ёнига бориб ўтирди.* А. Қаҳҳор, Башорат. **Товушинг ўчгур** *қарғ.* Ўлгур. *Хотин йиғлагудай бўлиб, ташқарига чиқди, яна кирди, яна чиқди.. Қани энди, бу «товушинг ўчгур» бола юпанса*! А. Қаҳҳор, Хи-хи. **Товушингни ўчир** Жим бўл. -*Жим! — муштини кўтарди Ёрмат. — Товушингни ўчир, худо ҳаммага ақл улашганда, сен қай гўрда эдинг!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Маълум сифатларга эга бўлган овоз. *Баланд товуш. Мусиқий товуш.* ▬ *Одамлар жонланди. Баъзилари чиндан, баъзилари эса ҳазил-мутойиба билан Охуннинг товушини мақташди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Механик тебранишлар натижасида юзага келадиган ва қулоқ эшитадиган ҳар қандай овоз, садо. *Оёқ товуши. Тасир-тусир ўқ товуши. Гудок товуши. Карнай-сурнай товуши.*

4 Шовқин; шовқин-сурон. [*Мулладўст:*] *Эшитяпсизми?* [*Қози:*] *Ҳа, жуда ҳайронман, нима товушлар? Бошим қотди, ақлим йўқ!* Ҳамза, Майсаранинг иши. [*Мамат Холисхонга*:] *Товуш қилма, ўласан! Мана шу чуқур.. сенинг учун қазилди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

5 *физ.* Ҳаво ёки бошқа бир муҳит зарраларининг тўлқинсимон тебранма ҳаракатлари. *Қулоқ эшитмайдиган товушлар. Товуш тезлиги. Товуш назарияси.*

6 *тлш.* Нутқ аъзолари артикуляцияси билан ҳосил бўладиган энг кичик тил бирлиги.

7 *мус.* Мусиқанинг ифода кучига эга энг кичик таркибий қисми.

8 *кўчма кам қўлл.* Сайловларда ёки бирор масалани ҳал этишда ўз фикрини билдириш ҳуқуқи ва усули; овоз. *Мулла Обид бир товушдан, аммо Усмон полвон икки қарши билан колхоз идорасига сайланиб ўтадилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТОВУШЛИ 1 *кам қўлл. айн.* **овозли.** *Товушли кино.*

2 *физ.* Товуш ҳосил қилувчи, товуш ўтказадиган. *Товушли тўлқинлар. Товушли тебранишлар.*

ТОВУШСИЗ 1 *кам қўлл. айн.* **овозсиз.** *Товушсиз кино.*

2 Товуш чиқармай. *Қалин қор билан қопланган қабрга бошини қўйиб, Йўлчи товушсиз, лекин бутун ўғиллик муҳаббати билан узоқ йиғлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *физ.* Товуш ҳосил қилмайдиган. *Товушсиз тўлқинлар.*

ТОВУШҚОН *шв.* Қуён. *Оқ товушқон.* ▬ [*У*] *Ўзи учун уя ясашга киришган товушқондай, қумни тирнай бошлади.* С. Айний, Қуллар.

ТОВУҚ 1 Товуқсимонлар туркумига мансуб, гўшти, пати ва тухуми учун боқиладиган урғочи уй паррандаси. *Сертухум товуқ. Курк товуқ. Товуқ катаги. Товуқнинг тушига дон киради.* Мақол. ▬ *..тонг отмай, товуқлар қўндоқларидан тушмай, яна ишга тушар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Донлаб юриб, тентираб кетиб қолган товуқлар бир маҳал жой қидириб, уйгача кириб келди.* К. Яшин, Ҳамза.

Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак Тирикчилик учун кишига ҳамма нарса (кўп нарса) керак, деган маънодаги мақол. **Думи юлинган товуқдек** *қ.* **дум 1. Оёғи куйган товуқдай** *қ.***оёқ. Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар** Ўзининг ёки яқинларининг айбини гапириб юрадиган одам ҳақида айтиладиган мақол.

2 Шу парранданинг гўшти (овқат, масаллиқ сифатида). *Товуқни есанг, бир ейсан, тухумини есанг, минг ейсан.* Мақол. ▬ *Холиса газўчоққа товуқларни димлаб қўйган.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 Шу паррандага нисбатли ҳақоратни билдиради. *Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, кекса товуқ*! Ойбек, Танланган асарлар. *Сўк мени, курк товуқ дегин!*. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

4 Баъзи қушларнинг модаси, макиён. *Қирғовулнинг товуғи.*

5 *шв.* Тунда хўроз қичқириши билан белгиланадиган вақт. *Бир товуқ ўтганда ётдик.*

6 Мучал йил ҳисобида ўнинчи йил номи. *Унинг йили товуқ.*

Товуқ йили Мучал йил ҳисобида ўнинчи йил (*қ.* **мучал**).

ТОВУҚБОҚАР Товуқларга қаровчи, уларни парваришловчи киши. *Паррандачилик фермасининг товуқбоқарлари.*

ТОВУҚХОНА Товуқлар турадиган каталак ёки махсус бино. *Ойша хола уйига келаётиб қараса, товуқхонанинг ҳам, мол-*

хонанинг ҳам эшиклари ҳали очилмаган. «Ёшлик».

ТОВУҚЧИЛИК Товуқ боқиш ва унинг маҳсулотларини етиштириш иши; қишлоқ хўжалигининг шу тармоғи. *Товуқчиликни ривожлантирмоқ.* ▬ *Янги типда солинган қорамолчилик, товуқчилик.. фермалари бор.* Ж. Фаёзов, Экскурсия ўтказиш методикаси.

ТОВЧА *с.т.* Токча. *-Қачон келсангиз, пулингиз мана бу товчадаги халтада туради, — дебди қози.* «Эртаклар».

ТОЖ [*а.* تاج — тож, гулчамбар; жиға; гултож] **1** Шоҳларнинг ҳукмронлик рамзи бўлган, қимматбахо тошлар қадалган зийнатли бош кийими. *Шоҳларнинг бошида тилладан тожи, Неча шаҳарлардан олади божи.* «Фольклор». [*Мирзо Ёдгор*] *Журжонни қўлга олиб, пойтахт Ҳиротни босиш, тож кийиш умиди билан уринади.* Ойбек, Навоий.

Соҳиби тож Тож эгаси, тахт эгаси, тождор, ҳокими мутлақ. **Тожи давлат** Давлат тожининг соҳиби, ҳокими. *Алишер ва.. тожи давлат бўлмиш Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари гўдакликда дўст ва ҳаммактаб эканлар.* Ойбек, Навоий. **Тожу тахт** *ёки* **тахту тож** Ҳукмронлик рамзи; ҳокимият, давлат. *Бу олишув, тожу тахт талашувларидан фақат фуқаро азоб чекади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бу ўт учқунлари.. яқинларда бирдан алангаланиб юзага чиқади, амирнинг тахту тожини, унинг ҳомийлари билан бирга куйдириб кул қилади.* С. Айний, Дохунда.

2 *айн.* **гултож.**

3 Баъзи қушларнинг бошидаги этдор ўсимта. *Хўрознинг тожи.* ▬ *Келин дарҳақиқат ёш, лекин худди қизиқчиликка семиргандай юм-юмалоқ; эгнида енгсиз қизил кўйлак, бошида попишакнинг тожига ўхшаган, лекин қизил шляпа.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *..катта теракка иккита қуш келиб қўнди. Наринининг бошида тожи бор.* С. Нуров, Нарвон.

4 *кўчма* Бирор нарсанинг юқори, етук қисми, унинг ифодачиси. *Инсон барча махлуқотнинг тожидир.* Ойбек, Навоий. *-Чидаш керак. Сабр — инсон иродасининг тожи, — деди Жўрахон.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Агар мазкур шеър бамисли бир қуш бўлса, бу байт унинг тожи-ку..* С. Сиеўев, Аваз.

5 *кўчма* Бирор мусобақада ғолиблик унвони ва шу ғолиблик учун кийдириладиган кийим. *Қуръага кўра, биринчи партияда оқ доналарни тож талабгори сўради.* Газетадан.

6 *астр.* Қуёш атрофидаги, кун тутилиш пайтларида яхши кўринадиган ёруғ гардиш. *Қуёш атмосферасининг учинчи, энг қалин ва энг сийрак қатлами Қуёш тожи дейилади.* «Астрономия».

7 *тех.* Гупчакка ёки бошқа асосга ўрнатиладиган гардишсимон қисм. *Шестерня тожи. Тож шестерня.*

ТОЖДОР [*а. + ф.* تاجدار — тож эгаси; тожли] **1** Тож-тахт соҳиби, тож кийган, тахтга ўтирган ҳокими мутлақ; подшо. *Элимда подшоман, бир ўзим тождор, Беҳад киши турар менга хизматкор.* «Эрали ва Шерали». *Мамлакат пароканда, золим тождорлар қон устига қон тўкурлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бошида тожи, ўсимтаси бўлган, тожли. *Тождор хўроз.*

ТОЖИК 1 Тожикистон Республикаси асосий аҳолисини ташкил этувчи халқнинг номи. *Тожик халқи. Тожик миллати.*

ТОЖИКЛАР Тожикистон Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган, эроний тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; тожик халқи.

ТОЖИКЧА 1 Тожикларга, тожик халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Тожикча ўйин. Тожикча одатлар.*

2 Тожик тили. *Сиз тожикча(ни) биласизми? Тожикча гапирмоқ.* ▬ *Кампир тожикча талаффуз билан: -Ундоқлар йўқ, айланай, — деди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТОЖИР [*а.* تاجر — савдогар] *эск.кт.* Тижоратчи, савдогар. *Кими кўрсам, менинг дардимдин ортиқ дардини сўйлар, Ажаб мотамсаросен, тожиру карвонни йиғлатдинг.* Моҳзода бегим.

ТОЖЛИ *айн.* **тождор 2.** *Тожли каптар.*

ТОЖ-ТАХТ, тожу тахт *қ.* **тож 1.**

ТОЗ 1 Бошнинг сочсиз тақир ёки кал ери. *Бошим — тоз, кўнглим — ноз.* Мақол.

2 Шундай бош ва шундай бошли одам, кал. *Тоз тарангунча, тўй тарқалар.* Мақол.

ТОЗА [*ф.* تازه — янги, ёш, нозик; яшил (ниҳол)] **1** Кир, чанг, ифлослик ва ш.к. дан холи (холи қилинган), озода, покиза. *Тоза идиш. Тоза кийим. Тоза уй. Тоза кийинмоқ.* ▬ *Аъзойи баданимни Хўп яхшилаб юваман.*

Тирноғимни, тишимни Доим тоза тутаман. Уйғун. *Қўлларини тоза сочиқларга артишди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Чанг-ғубордан холи; беғубор, соф, мусаффо. *Тоза осмонда юлдузлар чарақлайди.* С. Нуров, Нарвон. *Тоза ҳаводан тўйиб нафас олди.* С. Сиёев, Аваз. *Ҳар тараф соф, тоза майса-кўкат..* Ғайратий.

3 Аралашмалардан холи; соф, асил. *Тоза олтин.* ▬ *Мана бу дурми? Жуда тоза экан, Нури опамда ҳам бор-а?* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулнор келгач, у Йўлчи билан қизга шивирлади: -Мана бу жуда тоза чой.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Хирилдоқ ва ш.к. камчиликлардан холи, жаранглаб чиқадиган товуш, овоз ҳақида. *Ошна ашулаларнинг дилрабо куйи, ҳофизнинг тоза ва ширали овози Элмуроднинг юрагига баҳор нашъаларидек қуйилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

5 *кўчма* Доғ тушмаган, булғанмаган; соф, пок. *Тоза виждон. Тоза ном. Тоза қалбда доғ бўлмас.* Мақол. ▬ *Мурзин янада қизишиб, бўртиб, давом этди: -Мен уни яхши биламан. У яхши қиз, кўнгли тоза.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

6 *рвш.* Жуда ҳам, роса. *Тоза чарчадик. Сизни тоза кутдик.* ▬ *Йигит-қизлар холанинг гапларига тоза кулишди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Бечора! Қаллиғини кўраман, деб тоза балога қолган экан!* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 *шв.* Янги. *Тоза мактаб очсанг, кофир дейди, газета ўқисанг, даҳрий дейди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тўрани олажак тоза хотинидан совитиб берасиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Матпано: -Тағин келаман, оға, тоза гап бўлса, етказаман, ўксимай юринг, — деб пешинлатиб жўнади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Палаги тоза Уруғ-аймоғи, авлоди ва оила аъзоларидан ибрат олса бўладиган; намунали, зотли. [*Пўлат*:] *Греховнинг палаги тоза эмас.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ТОЗАЛАГИЧ Тозалаш учун ишлатиладиган, тозалайдиган нарса, қурилма ва ш.к. *Аптекаларда парранда қанотидан ясалган тиш тозалагич сотиларди.* Газетадан. *Машинанинг ойна тозалагичи тинмай ишлар, лекин ёмғир селидан йўлни кўриб бўлмас эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Катта илмий-тадқиқот ишлари натижасида институтда.. тола тозалагич яратилди.* Газетадан.

ТОЗАЛАМОҚ 1 Кир, чанг, ифлослик ва ш.к. дан холи қилмоқ, тоза қилмоқ. *Тиш тозаламоқ. Идишларни тозаламоқ. Уйни тозалаб супурмоқ.* ▬ *Йўлчи уларга беда ташлади. Кейин курак ва супурги олиб, отхонани тозалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Аралашмалардан, кераксиз, ортиқча нарса ёки қисмлардан холи қилмоқ. *Спиртни тозаламоқ. Ёнғоқ тозаламоқ. Гуруч тозаламоқ. Далани ғўзапоялардан тозаламоқ.* ▬ *Анвар гулларни суғориш, ўтларни юлиб тозалаш вазифаларини ўзи бажарди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Йўлчи йўғон қамиш топиб, ичини тозалаб, бир қаричдан мўлроқ қирқиб олди-да, унга нўхат сиғадиган бир неча тешиклар ясади: -Мана бу най, — деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Номақбул киши, нарса ва ш.к. дан холи қилмоқ, уларни йўқ қилмоқ. *Ёшлар онгини зарарли таъсирлардан тозаламоқ. Экин майдонини бегона ўтлардан тозаламоқ.* ▬ *У* [*Тўқсонов*] *биринчи галда ўз қарамоғидаги идораларни «тозалаб», одамларни янгилашга киришади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Полк ўлкани қадам-бақадам фашистлардан тозалаб, Днепрга яқинлашяпти.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ТОЗАЛИК Тоза ҳолатлилик. *Кийимнинг тозалиги. Уйнинг тозалиги. Виждоннинг тозалиги. Тозалик — саломатлик гарови.* ▬ [*Манзура опа*] *Ҳар бир синфга кириб, болаларнинг тозалиги борми, кундалиги борми.. текшириб чиқдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ТОЗИ [*ф.* تازی — чопағон ов ити; учқур, арабий от] **1** Оёқлари ингичка, тумшуғи узун, хипча, югурик ов ити. *Ҳар ернинг тулкисини ўз тозиси билан овлар.* Мақол. ▬ *Хоҳласа, қарчиғайини қўлига қўндириб, този итни эргаштириб, одамлари билан тоққа чиқиб кетарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўғлим овга кетади Асил овчи този билан.* «Бойчечак».

2 Чопқир от, тулпор. *Остимда ирғийди Ғиркўкдай този.* «Маликаи айёр». *Устига минганда учар тозингни, Қўлга олсанг биз қип [қилиб] берган созингни.* «Эрали ва Шерали».

Асби този Арабий от, арғумоқ. *Қамчи уриб тарлондай асби тозига.* «Ойсулув».

Танлаб-танлаб тозисига учрамоқ *қ.* **танламоқ**.

ТОИНКИ [*ф.* تاينكه – шу чоққача, ўша вақтгача.. ки] *бркт. боғл. айн.* **токи**. *-Қаттиқроқ гапиринг, тоинки ҳамма эшитсин.* ▬ *-Қаландарбоши эшикдан майда талқин бошлаб кирди. Тоинки жаноб эшонга бизнинг келганлигимиз маълум бўлсин, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом. Шум бола.

ТОИФА [*а* طائفه – синф, гуруҳ; қатор; муайян миқдор] **1** Аҳоли табақаси, гуруҳи. *Савдогарлар тоифаси. Бадавийлар тоифаси.* ▬ *Билармидинг, эй талончи тоифа, Меҳнат аҳли қайрамоқда қиличин!* М. Шайхзода. *У тўйбошиларга олдиндан уқтириб қўйган эди: «Тартиб бузилмасин, ҳар тоифани ўз вақтида, ўз ерига ўтқазиш, ўзига яраша кутиш керак».* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хил, тур. *Раҳим домла кабилар чумчуқдан қўрқиб, тариқ экмайдиганлар тоифасидан.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шундай тоифа одамлар бўладики, улар меҳнат билан бўлиб, ўзини ўйламайди.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин.

ТОИФИ [*а.* طائفى – Саудия Арабистонидаги Тоиф (الطائف) шаҳри номидан] Меваси қизил ва йирик, кечпишар узум навларидан бири; шу узумдан қилинган вино номи. *8 гектар токзордаги нимранг, сояки, тоифи.. каби узум навларининг ҳар гектаридан 25 центнерга етказиб ҳосил йиғиб олинди.* Газетадан.

ТОЙ I **1** Отнинг бир ёшдан икки ёшгача бўлган боласи. *Саман той. От босмаган ерни той босади.* Мақол. *Кун ҳисобин ой олар, бедов ўрнин той олар.* Мақол. *Тойчани «той» деб хўрлама, эрта-индин от бўлар.* Мақол.

2 Болаларга нисбатан эркалаш маъносини билдиради. *Унинг узоқ юртида, қуёш ва гуллар диёри Ўзбекистонда қолган дуогўй кампир онаси уни – ёлғиз ўғлини эркалар экан, ҳар вақт: «Рустам тойим! Арслон тойим!» деб атамасмиди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Баъзи атоқли отларнинг таркибий қисмига киради ёки эркалатиш учун уларга қўшиб айтилади. *Холтой, Ўринтой, Ҳалимтой.*

Той-той турмоқ *шв. айн.* **ғоз-ғоз турмоқ** *қ.* **ғоз-ғоз**. *Омонтойнинг қизи Бўстонхон той-той турадиган бўлиб қолибди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ТОЙ II [*ф.* تای / تاه – тах, қат; бурма; букик жой; боғлам; тўп] Катта тўп қилиб тахлаб ёки босиб боғланган мол ва шу тарздаги мол ўлчови. *Пахта тойлари. Беш той газлама. Той қилмоқ.* ▬ *Бўриев кеча у* [*Самандаров*] *билан куни бўйи базада қоп, той, яшик, бочкалар орасида ивирсиди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Пудратчи уни ишга олиб, той пахта ташишга қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТОЙДИ Болаларнинг ошиқ ўйинларидан бири (бунда рақибнинг чикка ёки пукка ошиғини ўз ошиғи билан уриб тойдирган ютади). *Кўзларида маъносиз бир илтифот, Гўёки у аллакимдан ранжипти; Ҳалигача мактаб, ўқиш унга ёт. Машғулоти: «тойди» билан «ачипти».* Ғ. Ғулом.

ТОЙИЛМОҚ *айн.* **тоймоқ 1, 2.** *Тойилиб йиқилмоқ. Бўсағадан тойилсанг, тўрга ўтма!* Мақол. ▬ *Қор ёғмоқда, оёқ ости музлаган. Йўловчи ҳар қадамда бир тойиларди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Йўлканинг ғишт терилган қисмидан ўнқир-чўнқир ерга ўтишда Нуқра холанинг оёғи тойилиб кетди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ТОЙЛАМОҚ I *кам қўлл.* Қулунламоқ, туғмоқ (бия ҳақида).

ТОЙЛАМОҚ II Той-той қилиб тахлаб, босиб боғламоқ, той қилмоқ. *Газмолларни тойламоқ. Тойлаш машинаси.* ▬ *Мана, икки ойдан бери завод гумбурлаб ишлаяпти, далалардан келаётган қанор-қанор пахталарни пайдар-пай тозалаб, тойлаб ташлаяпти.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТОЙЛОҚ 1 Кичкина той, тойча.

2 Эрка, эркатой (фақат болаларга нисбатан). *Келингиз, тойлоқларим, Қайдан шамол учирди? Имтиҳонлар муборак, Нечанчига кўчирди?* Қ. Муҳаммадий.

ТОЙМАС Олинган йўлдан, мақсаддан қайтишни, тойишни билмайдиган, қўрқмас. *Чинакам севишганлар шунақа бўлишади, тоймас бўлиб қолишади, уларга оламда бирбирларидан бошқа кимса кўринмайди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТОЙМОҚ 1 Силлиқ юзада монесиз сурилиб, сирғаниб кетмоқ; тойғанмоқ. *Назира шошиб ёнига қарамоқчи бўлганди, сувга энгашиб қолган қувур устидан пастга қараб оёғи тойиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Кўча ва томлар қордан оқара бошлаган. У сирпаниб, тойиб, хизматкорхонага жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Четга чиқмоқ, адашмоқ, озмоқ. *Шариат йўлидан тойган қизнинг сўзига*

ишонасанми? Ойбек, Танланган асарлар. *Оёғим сал тойдими, бас, бурнимни ерга ишқайдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 (*фақат бўлишсиз шаклда*) Қайтмоқ, тап тортмоқ. *У ҳеч нарсадан тоймайди. Яланғоч сувдан тоймас.* Мақол. ▬ *Бориб турган шум, тошюрак бола эди, муштдек бошидан жониворларни қийнаб ўлдиришга ўрганган.. одам ўлдиришдан ҳам тоймайди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Айтганини қилиш учун ҳеч нарсадан тоймайди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

Жаддига тоймоқ Кимсанинг қилмиши учун айбдор бўлиб қолмоқ, жавоб бермоқ. *Қилгиликни Сидиқжон қилди-ю, жаддига биз тойиб кетдик-да.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Ҳолдан тоймоқ** Тинка-мадори, силласи қуриб, ўлар ҳолатга етмоқ. *Йўловчилар Устюрт саҳросида ўн беш кун йўл юриб, тоза чарчадилар, туялар ҳам ҳолдан тойди.* М. Осим, Элчилар. *Мени навкарлар ҳолдан тойгунимча урдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТОЙЧА 1 Той I **1, 2** с. кичр.-эркл. *Бир яшар тойча. Тойчани «той» деб хўрлама, Эрта-индин от бўлар.* Мақол.

2 *кўчма* Эрка, эркатой, тойлоқ (фақат болаларга нисбатан). *Хўш, колхозда ўзинг нима қиляпсан, тойчам.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТОЙЧИ Мол тойловчи ишчи. *Пахта тозалаш заводининг илғор тойчилари.* ▬ *Баҳўр билан бирга Рафаэлнинг илгариги заводида ишлаяпман. У слесарлик қиляпти. Мен эсам тойчиман.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ТОЙЧОҚ *айн.* **тойча.** *Бир кун кўрмаганига саман йўрға уйда қолган тойчоғини эслаб кишнаяпти.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Иккинчидан, тойчоғим, «Аъло» олгин ҳар фандан. Барча ошна-оғайнинг Ўрнак олсинлар сендан.* З. Диёр.

ТОЙҒАНМОҚ *айн.* **тоймоқ 1.** *Тойғаниб йиқилмоқ.* ▬ *Бояги қора чопонли бола тойғана-тойғана юқорилаётган эди.* «Ёшлик». *Оёғим қумда тойғаниб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТОЙҒАНОҚ Сирғаниб кетадиган даражада силлиқ, сирғанчиқ, тойғоқ. *Тойғаноқ йўл. Кўчалар тойғаноқ.* ▬ *Ҳимолайнинг шарқий томонидаги тойғаноқ ёнбағир ва қояларда довюрак шерларнинг оёғи етмаган жой йўқ деса бўлади.* М. Аминжонова, «Қор одам» борми?

ТОЙҒАНЧОҚ *айн.* **тойғаноқ.** *У ернинг тойғанчоқ эканини ҳам энди сезгандек бўлди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ТОЙҒОҚ *айн.* **тойғаноқ.** *Тойғоқ йўл.* ▬ *Кўчалар тойғоқ, машиналарнинг ғилдиракларида занжирлар шақирлайди.* П. Қодиров, Эрк.

ТОК I [*ф.* تاک — узум новдаси, дарахти] Узум ўсимлиги. *Уч туп ток. Ток очмоқ. Токни кўммоқ. Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк.* Мақол. ▬ *Ҳовлининг ёнида чорбоғ, чорбоғда раста-раста қилиб, ҳавозага кўтарилган токлар.* С. Айний, Қуллар. *Узум ток баргидан ҳам кўп.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ток оши Коваток солинган ош. *Ток оши қилгудек бўлиб қолган барглар ёнида ғуж-ғуж узум шўралари пайдо бўла бошлабди.* Газетадан. *Мана, бир неча йилдан бери баҳор келганда ток оши қиламиз.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТОК II [*р.* ток — оқим, оқиш] Электр зарядларининг маълум томонга йўналган оқими; электр. *Ўзгарувчан ток. Ўзгармас ток. Кучли ток. Кучсиз ток. Электр токи. Кнопкани босиб, токни уламоқ.* ▬ *Шундай қилиб, ўтказгичдан ток ўтганда ажралиб чиқадиган иссиқликнинг миқдори ток катталигининг квадратига.. тўғри мутаносиб экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТОКАЙ (ГАЧА) [*ф.* تاکی — қайси вақтгача] Қачонгача, қай вақтгача. *Мен токай бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури деб, фермада товуққа дон сепиб, тухум тераман.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. [*Йўлчи:*] *Чидай олмадим, мулла ака.. мен ҳам одам фарзанди, токайгача тепки еяман.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОКАРЛИК Токар иши, касби. *Токарлик қилмоқ. Токарликни ўрганмоқ. Токарлик дастгоҳи (станоги).*

ТОКАРЬ [*р.* точить — «қайраб ўткир қилмоқ; йўниб, қириб ясамоқ» фл. дан ясалган от] Металл ёки ёғоч йўниш станогида ишловчи мутахассис, ишчи. *Абдушукур Қодиров оддий ишчи — токарь.* Ў. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.

ТОКЗОР Нуқул ток ўсимлиги билан банд ер, майдон, боғ. *Ана, йўлнинг иккала бети бўйлаб, сахий қуёш нурини беармон эмиб, ястаниб ётган токзорлар орқада қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТОКИ [*ф.* تاکی – қайси пайтгача; =гача, =гунча] *бркт. боғл.* **1** Бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг эргаш гапда ифодаланган мақсадга қаратилганлигини англатади (бунда эргаш гап кесими, кўпинча, буйруқ майли шаклида келади). *Қаттиқроқ гапиринг, токи ҳамма эшитсин.* ▬ *Бизнинг мақсадимиз кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **то 2.** *Ҳамма, токи қариялар ҳам ишга тушиб кетди.* ▬ *Токи боласи турган боғчагача эргашиб бордим..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

3 Бош ва эргаш гапдаги нарса-ҳодиса, иш-ҳаракатнинг бир вақтга оидлигини, сабаб-шарт муносабатини билдиради. *Токи бормен, суймаган одамингизга узаттирмасмен.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Пойдевор омондир. Демак, уй омон. У яна тикланар, Токи бор фироқ, Токи бор бошимда Бу қадим осмон, Токи бор боболар Қон тўккан тупроқ.* Х. Даврон, Қақнус.

ТОКИЛОН Калтакесакка ўхшаш, кулранг, тез югурадиган, ўтлоқларда яшайдиган жонивор.

ТОКСИКОЗ [*юн.* toxikon – заҳар] *тиб.* Организмнинг унинг ўзида ҳосил бўладиган маҳсулот (модда)лар билан умумий заҳарланиш ҳолати. *Ҳомиладорлик токсикози.*

ТОКСИКОЛОГИЯ [*юн.* toxikon – заҳар + logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг заҳарли моддаларнинг физик ва кимёвий хоссаларини, уларнинг таъсир механизмини ва бу жараёнда организмда юз берадиган ўзгаришларни ҳамда заҳарланишни даволаш чора ва воситаларини излаб топиш билан шуғулланадиган, ўрганадиган бўлими.

ТОКСИКОМАНИЯ [*юн.* toxikon – заҳар + mania – эҳтирос; берилиш, майл; интилиш] *тиб.* Мастлик, қисқа муддатли хурсандчилик, кайф пайдо қилувчи турли хил моддалар (спиртли моддалар, наркотиклар, баъзи дорилар, маиший кимё воситалари ва ш.к.) ни истеъмол қилишга мойиллик, интилишда намоён бўлувчи касалликларнинг умумий номи.

ТОКСИНЛАР [*юн.* toxikon – заҳар] *биол., тиб.* Баъзи микроорганизмлар, шунингдек, баъзи ҳайвон ва ўсимликлар чиқарадиган заҳарли моддаларнинг умумий номи. *Гормон, антибиотик, токсин ва бошқа турли хил физиологик фаол моддалар ҳужайра мембраналарининг хоссаларини ўзгартиради.* «Фан ва турмуш».

ТОКЧА [*а.* + *ф.* طاقچه / تاکچه] **1** Маҳаллий уйларда идиш-товоқ ва б. анжомлар қўйиш учун деворда квадрат ёки бошқа шаклда ишланган махсус жой. *Элмурод кўрпачага ўтирди. Сўнгра ён-берига кўз югуртирди. Кичкина токчаларга ранг-баранг чинни ва сопол косалар терилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Токчаларга мис кўза, самовар, қумғон, жом, чинни пиёлалар тартиб билан териб қўйилибди.* К. Яшин, Ҳамза. *Токчалари ганчдан ажойиб гуллар билан ишланган катта уйда бир талай одам ўтирган эди.* Ойбек, Навоий.

2 Умуман, вазифаси, шакли ёки бошқа бирор жиҳати билан токчага ўхшаш нарса, жой. *Тоқилар остидаги дўконларнинг токчаларига уйилган ҳарир моллар.. шойи, атлас .. ва бошқа ранго-ранг баззозлик моллари бу ерга келганларнинг кўзини ўйнатади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шкаф токчаларига териб қўйилган турли ичимликлар яққол кўриниб турибди.* С. Азимов, О, Лайло. *Абдували ака.. дераза токчасига омонатгина ўтирди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Улар* [*кийиклар*] *беш-олти газ пастда – токчада, икки томон эса тик девор.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

Кир токча Одатда, тахмонлар ораси, эшик ёки дераза ёнига ишланган, бошқа токчаларга нисбатан кичик, юқорига томон узун бўлган токча (турли майда-чуйда нарсалар қўйилади). *Икки тахмон ўртасидаги кир токча тепасида чой қутисининг зар қоғозларидан қирқиб ёпиштирилган Мадинанинг тасвири.* С. Аҳмад, Сайланма.

ТОКЧАЛИ Токча ишланган, токчаси бор (*қ.* **токча 1**). *..тахмон ва токчали ҳамда оғир лой томли иморатларнинг зилзилага бардоши анча паст бўлади.* Газетадан.

ТОКЧИЛИК *кам қўлл. айн.* **узумчилик 1, 2.** *Донгдор Ризамат ота токчиликда соҳибкор.* М. Шайхзода.

ТОЛ I Ингичка узун баргли, сурх новда отиб ўсадиган дарахт ёки бута. (асосан соясалқини, пояси, поясидан эса турли нарсалар тайёрлаш учун экилади). *Қора тол. Самбит тол. Бир туп ток эксанг, бир туп*

тол эк. Мақол. ▬ *Терак экмай, толни эк, толнинг сояси яхши.* «Қўшиқлар». *Сой бўйидаги аксарият азим туп толларнинг таги чойхона.* К. Яшин, Ҳамза.

Мажнун тол *қ.* **мажнунтол.** *Ғуломжон.. мажнун толнинг ҳам бир маҳаллар сувга чўзилган, сув етай-етай деб қолган узун, нозик новдаларини эслади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сиз (***ёки* **у) айтган толлар кесилиб кетган** Замон, у билан боғлиқ ҳолда шарт-шароитлар ўзгариб кетганлигини билдиради, қайд этади. *Сарви хола қизининг ихтиёри ўзидалигини, ҳозирги замонлар бошқалигини, у айтган толлар кесилиб кетганлигини қайта-қайта такрорлаб, жағи оғриди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. **Тол баргак** *қ.* **баргак** III. *Кечагина тол баргак ўйнаб, Том бошида эркин юргандинг.* Ю. Ҳамдам.

ТОЛ II Узун ва ингичка. *Кокилларим эшилгандир тол-тол, Ҳар толига берса етмас дунё мол.* «Маликаи айёр». *Торлари тол ипаклардан эшилсин, Айтганимда, товушгинам қўшилсин.* «Қўшиқлар».

ТОЛ III [*р.*] *ҳарб.* Мина ва снарядлар ичига қуйиладиган кучли портловчи модда; оқ ёки сарғиш рангли қаттиқ кристалл маҳсулот.

ТОЛА 1 Йигириш, газмол тўқиш ва ш.к. мақсадлар учун ишлатиладиган жуда ингичка, пухта табиий ёки сунъий материал. *Ипак толаси. Жун толаси. Сунъий тола.* ▬ *Биз терган пахтанинг ҳар бир толасин Ёвузлар бўйнига айлагил сиртмоқ.* Ғайратий.

2 Соч, соқол кабиларнинг ҳар бир мўйи. *Айт, бу сочинг толасиму, Жон ипин бир бандиму?* Э. Воҳидов. *Уни қучоқлаб ўпгиси, ҳар бир толаси оғир меҳнат, алам билан суғорилган оппоқ соқолини кўзларига суртгиси келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кам қўлл.* Кокил, зулф.

4 *кўчма* Умуман, толага ўхшаш нарса ҳақида. *Ўргимчак тўқир оқ толалар, хонқизи боради меҳмонга.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Полиэфир толасидан ишланган сунъий қон томирлар артерия томирлари торайиб қолган беморларга ёрдам беришда қўлланмоқда.* «Фан ва турмуш». *Оғриқ — жағ толаларининг исёни бўлиб, бирор аъзо ёки вужуднинг «дод-фарёди»дан дарак беради.* «Фан ва турмуш».

ТОЛАЛИ 1 Толага эга бўлган, толаси бор. *Ингичка толали пахта. Узун толали зиғир.*

2 Тола берадиган. *Толали техника ўсимликлари.*

3 Толалардан тузилган. *Ёғоч толали пластмасса.*

4 *тех.* Тузилишида тола бўлган. *Чўғланма толали электр лампа.*

ТОЛАЧИ Тола етиштирувчи. *Шаҳрисабз толачилари Шукур Бердиев номини ҳурмат билан тилга оладилар.* Газетадан.

ТОЛАШУНОС Тола ва у билан боғлиқ илмлар билан шуғулланувчи мутахассис, олим. *Мақсуда Аъзамовна ўз касби бўйича толашунос, ана шу кафедрадаги ишлардан бевосита хабардор бўлиб туриши керак.* Газетадан.

ТОЛБАРГАК (*тўғриси* — **тол баргак**) *қ.* **баргак** III. *Қизлар сочида толбаргакдан сочпопук.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТОЛГУЛ *шв.* Самбитгул. *Баланд ғишт пойдеворли тўрт уй, даҳлиз, деворига толгул ва бўйни узун офтобанинг сурати солинган баланд айвон, ошхона.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТОЛЕ [*а.* طالع — кўтарилаётган, юқорилаётган; тақдир, қисмат] **1** Турмушдан мамнунлик ҳолати, турмушдан мамнун этувчи тақдир. *Толеингда бор экан яшаш, Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Толеингдан ўргилай, қизим, онанг шўрлик қиз бўлиб, келин бўлиб, ҳеч нарса кўрмаган эди, худойи таоло ҳаммасини сенга насиб қилган экан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ҳа, толе бўлмаса қийин экан! Мен не-не орзулар билан илм-ҳунар ўрганиб келган эдим! Ватаним бўлмиш Фарғона водийсида.. мадрасалар қурмоқчи эдим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *с.т.* Омад, бахт. *Хўжайиннинг кармони ўпирилганга ўхшайди, толеи йўқ-да. Шу бу йил ютқизишдан боши чиқмай қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Султон бўзчининг ўғли Муҳаммаджоннинг толеи паст кетди.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

ТОЛЕЛИ Ҳамиша бахт-толе ёр бўлган; бахти, омади баланд; бахтли. *Толели одам.*

ТОЛЕМАНД [*а.* + *ф.* طالعمند — толели, бахтли] *эск. кт.* Толели, бахтли. *Толеманд йигит.* ▬ *Нур денгизи ичра толеманд Сузар эди турналар баланд.* Ойбек.

ТОЛЕРАНТЛИК [*лот.* tolerantia – сабр-тоқат, чидам, бардош] **1** *биол., тиб.* Организмнинг иммунологик жиҳатдан ташқи таъсирларга жавоб бера олиш қобилиятининг тўлиқ ёки қисман йўқолиши; яъни антиген таъсирларга нисбатан одам ёки ҳайвон организми томонидан антитаналар ишлаб чиқариш қобилиятининг пасайиши ёки йўқолиши.

2 *тиб.* Организмнинг муайян модда ёки заҳарнинг ноқулай, салбий таъсирига чидаш, бардош бериш қобилияти.

3 Ўзгаларнинг фикр-ғоялари, эътиқоди, ҳис-туйғулари, турмуш тарзи ва хулқ-атворига нисбатан сабр-тоқатли бўлиш, бепарво қараш; бағрикенглик.

ТОЛЕСИЗ Бахти, толеи йўқ, омади паст. *Толесиз одам.* ▬ [*Норбуви*] *Эрдан толесиз эмас эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ТОЛЕСИЗЛИК Омадсизлик, бахтсизлик.

ТОЛЗОР Нуқул тол билан банд ер, майдон. *Анҳор.. нариги қирғоқдаги толзор тагида ёйилиб оқади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Кафтдай кичкина ҳовлининг бир ёқасидан ўтган анҳор бўйи – қуюқ толзор, серсоя, жимжит бир гўша.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТОЛИБ [*а.* طالب – изловчи; талаб қилувчи, хоҳловчи; ўқувчи; тингловчи] **1** Талаби бўлган, талабгор. *Сулув қизсан, сенга толиб кўп бўлур.* «Равшан». *Ишламоққа ҳамма толиб, Бир-бирига келиб ғолиб. Ҳар кетмондан юз гул унар, Чўллар сувга тўлиб-қониб.* Фозил Йўлдош ўғли. *Ҳафиза эшик ёнига келиб, серрайиб турди, ёнидан ўтиб кетаётганлар унинг жой бўшашини кутиб турганини, у ўқишга жуда толиб эканини сезишгандай бўларди.* Мирмуҳсин, Умид.

Толиби илм Илмга талаби бўлган, илмга ташна; талаба. *Нарироқда Умарали бир-икки дўстлари, толиби илмлар билан қуюқ суҳбатда.* Ойбек, Улуғ йўл. *Толиби илмларнинг аксари бу кун ҳовлига чиқишган.* Ойбек, Навоий.

2 Мадраса ўқувчиси.

3 Толиб (эркаклар исми).

ТОЛИМ Озгина соч тутами, дастаси. *Унинг учун Гулнознинг бир толим сочи етти иқлим подшосининг божи билан хирожидан қимматли.* Т. Сулаймон, Интизор. *Яқинлашай десам қўрқаман, яқинлашмай десам бир толим сочини бўйнидан икки марта айлантириб, ўзини бўғяпти.* «Муштум».

ТОЛИҚИШ 1 Толиқмоқ фл. ҳар. н.

2 Мадорсизлик ҳолати; ҳорғинлик. *Ҳазил-ҳузул, гурунг авжида. Одамлар шу билан ўзларини овутадилар. Чарчоқ, толиқиш, қорин очлиги билинмайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ТОЛИҚМОҚ 1 Куч-мадори қуримоқ, тинкаси қуримоқ, ҳолдан тоймоқ; мадорсизланмоқ. *Бели толиқмоқ. Қўли толиқмоқ. Кўзи толиқмоқ.* ▬ *Аллақаерда кўрганим чиппа-чин эсимда турипти-ю, ростини айтсам, ажратолмаяпман, толиқибман шекилли.* С. Кароматов, Олтин қум. *Унинг толиққани, руҳан қийнала-қийнала тунлари яхши ухлай олмагани ранг-рўйидан кўриниб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кун исиди, амирзодам. Ёз рамазони тинкани қуритур. Эртагача толиқиб қолмасинлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ҳаёт-эҳтиёж нарсаларидан камчилиги бўлмоқ, сиқилмоқ, шу жиҳатдан қийин, ночор аҳволда бўлмоқ. *Озиқ-овқатдан толиқмоқ.* ▬ *Танбалнинг ёшига етгунча кўп ғалабаларни кўрурсиз. Ҳолбуки, бу урушлардан эл-улус беҳад толиқди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бола-чақаси толиқса ҳам, емай-ичмай орттирганини олиб келиб, шайхлар оёғига тўкади.* К. Яшин, Ҳамза.

ТОЛКУЧУК Барг ёза бошлаган тол новдаси. *Кўклам. Нега шамол келмас юксак тоғлардан, Толкучукдан жевак таққан майса боғлардан.* Ғ. Ғулом.

ТОЛМА *шв.* Бўлали, лўппи; мулойим. *Унинг* [*Зумраднинг*] *ўрта, толма бўйи, нозик бели, ингичка эгма қошлари, қирра бурни, йирик учқунли кўзлари бир-бирига муносиб.* Ойбек. Улуғ йўл. *У* [*Махсумахон*] *баланд бўйли, толмадан келган, хушрўй, кўзлари катта-катта ва порлаб турадиган, ниҳоятда чиройли аёл.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТОЛМАС 1 Чарчашни билмайдиган, хормас-толмас. *Толмас курашчи. Ҳолини билган ҳормас, қанча иш қилса, толмас.* Мақол. ▬ *Бошимдаги қоплаб турган булутни Толмас билак, битмас куч-ла йиқитдим.* М. Алавия.

2 Толмас (эркаклар исми).

ТОЛМОҚ 1 *айн.* **толиқмоқ 1**. *Белим толиб кетди. Қўлим толиб, чамадонни ташлаб*

юбораёздим. Китоб ўқийвериб, кўзим толиб кетди. ▬ *Раззоқнинг иши яна кўпайди. Умурзоқ ота эса унинг йўлини пойлайвериб толди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бектемир гўдакни ерга қўйиб, толган билагини уқалади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Уларга қарай-қарай, Баширжоннинг бўйни толиб кетди.* Н. Аминов, Суварак.

2 Айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўздан англашилган нарсага берилмоқ, у билан банд бўлмоқ маъносини билдиради. *Хаёлга толмоқ. Уйга толмоқ.* ▬ *Султонали мирзо Гулшаннинг ўрдага кетганлигини эшитиб, силласи қуриди, бир неча вақт фикрга толиб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТОЛПОПУК (*тўғриси* **тол попук**) *айн.* **баргак** III. *Ўзи эндигина сочларига толпопук тақадиган қизча эди.* «Ёшлик».

ТОЛЧОВКОН Тол куртак чиқара бошлайдиган эрта баҳор вақти. *Табиат ҳеч қачон бўш турмаган, бўш, Гижинг тойдай ўйнаб қочар сойлари. Толчовкон боғларга ёпиб гилампўш, Ровоч, момақаймоқ чиққан ойлари.* С. Акбарий, Янги йил алёри.

ТОЛЬ [*фр.* tole] Картонга тошкўмир қатрони (смола) шимдириб, баъзан устига бир оз қум сепиб тайёрланган, сув ўтказмайдиган қурилиш материали. *Бир рулон толь.* ▬ *Толь омонатгина ёпилган сарой ичига селитра тўкиб қўйилган.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ТОЛҚОН 1 Қовурилган дон, қуритилган нон ва ш.к. дан туйиб тайёрланган емиш. *Нон толқон. Буғдой толқон.* ▬ *Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сигирнинг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сийлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ниёз бобомнинг кампири Хумор хола дастурхон ёзди, бир ҳовучдан жийда, ўрикқоқи, толқон қўйди.* «Ёшлик».

2 Умуман, туйилган ҳар қандай нарса; порошок. *Носвой толқон.*

Толқон қилмоқ 1) толқон тайёрламоқ. *Хотинлар, одатда, ҳайитга ҳолва, толқон қилишади;* 2) туйиб толқонга айлантирмоқ. *Махоркани толқон қиламан. Жиндак оҳак ёки кул билан хурушга келтираман.* Ойбек, Қуёш қораймас; 3) *кўчма* майда-майда қилмоқ; ер билан яксон қилмоқ. *Бу ёқдаги қазувчилар ҳам Ғуломжон, Барот полвон, Замон сингари тоғни урса толқон қиладиган азаматлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *«Синглимнинг номусини ҳимоя қилдим», деб гап тарқатиб юрган мироб, туҳмати ўтмаслигини сезиб, мўлтайиб, толқон ютиб ўтирди.* С. Нуров, Нарвон.

Оғзига толқон солмоқ (*ёки* **толқон ютмоқ**) Товуш чиқармай, индамай, ҳеч нарса демай турмоқ. *Нега жим ўтирибсизлар? Оғизларингизга толқон солиб олдиларингизми? Чирманда чалиб, қўшиқни бошланглар!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТОЛҚОНЛАМОҚ *айн.* **толқон қилмоқ 2, 3**. *қ.* **толқон**. *Қўлтиғидан қоғозга ўралган, қуритиб толқонланган носини олиб, тил остига отди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОЛҒИН *кам қўлл.* Ҳорғин, сўлғин, синиққан. *Норқўзи Ферузанинг толғин чеҳрасига, чарчоқдан қизарган кўзларига ачиниб қаради.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Биз учовлон ҳам табиатнинг бир толғин бўлагидек сўқмоқда турибмиз.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ТОМ I **1** Уйнинг, бинонинг устини бекитиб турувчи тепа қисми. *Лой том. Тунука том. Икки нишабли баланд том.* ▬ *Асфальт йўллар, тунука ва шифер томлардан қайноқ ҳовур кўтарилади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Кета-кетгунча яккам-дуккам лойсувоқ томлар, деворлари тўкилай деб турган пастак уйларни кўравериб, дилингиз хира тортади.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Баъзи қурилмаларнинг қор-ёмғир, қуёш ва ш.к. дан ҳимоя қилувчи тепа қисми. *Тўланбой Икромжоннинг аҳволини кўриб турганидан, у ҳам индамади-да, кетдик, деб кабина томини муштлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Иккала бошлиқ қори тиззага урадиган қизил вагон томига чиқиб, атрофни кузата бошладилар.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

3 *шв.* Уй, ҳовли-жой. *Эшакка мугуз битса, эгасини сузади, Туяга қанот битса, томингни бузади.* Мақол. ▬ *Шунда бориб, бир томни очди — бари тиллага тўла, бир томни очди — кумушга тўла.* «Равшан». «..*Дашти қипчоқлар бойиса, хотин олади, туркийлар бой бўлса, том солади»* [*уйларди Маъсума бека*]. Мирмуҳсин, Меъмор.

Томдан тараша тушгандай *қ.* **тараша. (Ўзини) томдан ташлайди** Бирор нарсага жуда ўч, ўлармон одам ҳақида айтиладиган ибора. *Ичкилик бўлса, Жўра ўзини томдан ташлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. ..*пул деса, ўзини томдан ташлайдиган бу таъвия-*

нинг на дўсти бор, на жўраси. Ж. Шарипов, Хоразм.

ТОМ II [*а.* تَامّ – тўла, тўлиқ, бутун; мукаммал] *кт.* **1** *сфт.* Тўла, тўлиқ. *Муфти... котибининг чизган режаларини амалга оширишга том ихлос билан кўнди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Қўлтиғимдаги анордан биттасини олиб, ёриғидан иккига ажратиб, икки қўлим билан сиқиб, том иштаҳа билан ейишга тушдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [*Ҳасанали*] *Хўжаси Юсуфбек ҳожига, айниқса, хўжазодаси Отабекка итоат ва ихлоси том бўлиб, бунинг эвазига улардан ҳам ишонч ва ҳурмат кўрар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Даражаи том Тўлиқ даража, камолот даражаси. *Маълумотим даражаи томга эришган бўлса ҳам... ёзмоқда қийналамен.* Ойбек, Навоий. **Том маъноси билан** Тўлиқ, чин маъноси билан. *Фармонов том маъноси билан «шжтимоий одам» бўлиб, бутун ҳаёти коллективда, идора, мажлисда, минбарда ўтган.* А. Мухтор, Чинор.

2 *рвш.* Бутунлай, тамомила, батамом. *Қулоғим том битди.* ▬ *-Тақсир, – деди Фозилҳақ Азизулхон сигарет чекиб.. Мухтор Ҳасанга қараб, – пинакка кетгандай том маҳлиёсиз.* Ойбек, Нур қидириб. *Мендек одамнинг оғзидан бундай гапнинг чиқиши Сизни том қайрон қилишини биламан.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ТОМ III [*юн.* tomos – бўлим; бўлак, қисм] Бир неча китобдан иборат асар, асарлар тўплами, муқоваланган ҳужжат ва ш.к. нинг ҳар бир айрим китоби; жилд. *Луғатнинг биринчи томи. Тўпламнинг учинчи томи.* ▬ *Йўлдош кирганда, Пўлат дераза рафида тиззасини қучоқлаб ўтирар, столда, ёстиғи устида медицина энциклопедиясининг томлари сочилиб ётар эди.* А. Мухтор, Чинор. *Терговчи Қосимов яна тахлаб қўйилган жиноий иш томларини варақлашга тушиб кетди.* «Муштум».

ТОМАТ [*исп.* tomate] Помидор суви ёки пастаси. *Кўп томат ва сок олиш мумкин бўлган «Юсупов».. каби яхши сорт помидорлар кам келтирилаётир.* Газетадан. *Аёлнинг хонадонидан 30 литр самогон.. 150 литр томат пастаси, хамиртуруш топилди.* Газетадан.

ТОМИЗИМ *шв.* Томчи. *Бир томизим сув.* ▬ *Марахим.. учинчи шишадан тегатурган «насиба»сини ҳам бир томизим қўймай ичди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Шу талантни ишга солиш учун аллақандай бир доридан бир неча томизим томизиш керак.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТОМИЗМОҚ 1 Томмоқ фл. орт. н. *Кўзга дори томизмоқ.* ▬ *Ота декчасини осди ва чайладан шишадаги жувоз мойини келтириб, унга томизди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. [*Қиличев*] *Ички чўнтакларига турли-туман таблеткалар, ҳидлайдиган, ютадиган, томизадиган дорилар солиб юради.* Мирмуҳсин, Занглаган қилич.

Оғзига сув томизмоқ Ўлим тўшагидаги беморга сув томизиб, охирги ёрдам кўрсатмоқ. *Ревизия арпа, буғдой етишмаганлигини аниқлаган пайтда, Алиқулнинг оғзига сув томизилаётгани тўғрисида миш-миш тарқатилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Оқизмай-томизмай Ҳеч бир сўзини қолдирмай, бор (бўлган) гапни тўлалигича. *Жаннатхон отасига дастурхон ёзди, отасини сийлади, лекин эрининг сўзларини ҳам оқизмай-томизмай етказди.* И. Раҳим, Тақдир.

2 (*фақат бўлишсиз шаклда*) Бир қатра ҳам анойи қилмаслик, бекор кетказмаслик, ёрдам кўрсатмаслик. *У онасига бир чакки томизмайди.* ▬ *Бой пишиқ одам, бир тийинни чакки томизмайди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТОМИЗҒИ 1 *от* Қатиқ ивитиш учун сутга солинадиган ачитқи (мас., эски қатиқ). *Сутга томизғи солмоқ.* ▬ *Қўшниникига томизғи сўраб кирган Ҳажалхон бир зумда бир талай гап топиб чиқди.* А. Муҳиддин, Ғанишер. *..махсус томизғи билан тайёрланган қатиқ, кефир каби сут маҳсулотлари ҳам витаминга бойдир.* Газетадан.

2 *сфт.* Томизиладиган, томчилаб қуйиладиган. *Томизғи дори.*

Томизғи ҳам бўлмайди Жуда оз. *Бу пулингиз томизғи ҳам бўлмайди.* **Томизғига ҳам топилмайди** Умуман йўқ, сира топилмайди, учрамайди. *Сув томизғига ҳам топилмайдиган чўл.*

ТОМИЗҒИЛИК Томизғи учун етарли; томизғи учун қолдирилган. *Бир томизғилик қатиқ. Қатиқдан бир-икки томизғилик қолдирмоқ.*

ТОМИЗҒИЧ Суюқликни томизиш учун ишлатиладиган асбоб; пипетка. *Томизғич билан кўзга дори қуймоқ.* ▬ *У шкафдан аллақандай реактив олди-да, томизғич би-*

лан бинокуляр микроскоп тагидаги минералга томизди. «Фан ва турмуш».

ТОМИР 1 *анат.* Одам ва ҳайвонлар танасида қон ёки лимфа оқадиган найчасимон аъзо. *Томирдан қон олмоқ. Томирга дори қуймоқ.* ▬ *Тўлаган ерга қараб жим қолди. Унинг чакка томирлари бўртди, бурнининг учи йилтиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Қон томирлари Артериялар, капиллярлар ва веналардан иборат томирлар. *қ.* **артерия(лар), артериола(лар), вена(лар), капилляр(лар).**

2 *кўчма* Умуман, нарса-ҳодисанинг ҳаёти, фаолиятини таъминловчи омил, восита. *Саноатнинг юрагидир мартен печи, Юрак бўлгач, ишлайди-да эрта-кечин. Бу юракни юргизади уста Анвар, Саноатнинг томирига пўлат оқар.* «Муштум». *Қишлоқнинг ҳаёт томири уриб турган ҳар бир жойда.. ташаббус яққол сезилиб туради.* Газетадан.

3 *с. т.* Юрак ҳаракати натижасида қон тепиши; пульс.

Томирни (*ёки* **томир) уришини (***ёки* **тепишини) кўрмоқ** Томирни ушлаб, юрак, қон ҳаракатини, пульсни аниқламоқ. *Табиб, Отабекдан воқеани сўраб билгандан сўнг, Кумушнинг томирини кўриб, лабини тишлаб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *с. т.* Мушакларни суякка бириктирувчи пухта, эластик тўқима; пай. [*Йўлчи*].. *Томири тортишган одам каби, бир лаҳза қотиб қолди, сўнг қиличини маҳкам ушлаб, букчайиб, оҳистагина ерга йиқилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Томирларини ёзиш учун бошини орқага ташлаб, бир-икки силкитиб олди.* С. Кароматов, Олтин қум.

5 *биол.* Ўсимлик танасида суюқлик ва ундаги эриган моддалар оқадиган тўқима найчалар.

6 *бот.* Илдиз. *Ариқ бўйларида, қир этакларида ўтган йилги ўтларнинг томиридан нозик майсалар униб чиқа бошлаган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Агар у ҳар куни эрталаб, кечқурун сойга тушмаганда эди, кўза-кўза сув қуйиб, томирига нам юбормаганда эди, ўрик аллақачон хазон бўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 *кўчма* Илдиз, негиз. *Яхши нақл — томири ақл.* Мақол. ▬ *Жўрахон бу муҳим масалани айтишдан бош тортганда, бунинг томири жуда узоқ эканлигини Ғуломжон дарров фаҳмлаб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Томирига (*ёки* **илдизига, оёғига, тагига**) **болта урмоқ**. *қ.* **болта**. *Элмурод ўзининг жаҳолатга қарши бўлган билимини одамларга ёйиш билан домланинг томирига болта ураётганини яхши фаҳмламасди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Томир отмоқ** (*ёки* **ёймоқ**). 1) илдизини ҳар тарафга йўналтирмоқ, илдизи ривожланмоқ; 2) асосли ҳолда ўрнашиб яшамоқ, ривожланмоқ. *Аммо бутун бир аҳоли яшаб, томир отиб қолган бежирим жойларни йўқ қилиш — хутор системасини йўқотиш, деган гапга кирмайди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 3) ҳар томонга йўналмоқ. *Шербек катта кўча тўрт томонга томир отган жойда тўхтаб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой; 4) тарқалмоқ, кўпаймоқ. *Одамлар орасида ҳам девпечак борлигини, у аста томир ёйиб бораётганини биларди-ю, аммо ўша девпечакнинг илдизини топалмай доғда эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

8 *кўчма* Бир-бирини қўлловчи, бир-бирига ҳомийлик қилувчи кишилар ўртасидаги ўзаро боғланиш, алоқа; илдиз. *Зағчакўз домлаям, Турдивой халфаям, ҳаммаси.. Буларнинг томири узун, Зағчакўз мударрис бўлган экан, ўғиллари, шогирдлари каттакатта амалда дейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шуҳратпарастлар халққа юқоридан қандай зарар етказган бўлсалар, пастдан ҳам шундай зарар етказганлар. Уларнинг томири битта.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

9 *шв.* Қариндош, уруғ; қариндошлик риштаси. *Юртга донғи кетган Жоналибойга, Қизинг бериб, бойга томир бўлайлик.* Пўлкан. *Тожибой ўзи камбағаллардан бўлса ҳам, томири Олахўжа махсум билан туташган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

10 *шв.* Тутинган ўртоқ, яқин дўст. *Томирингни мақтама, ёмон чиқса, қайтасан.* Мақол. ▬ *Икки ўртада сўз бергандик, томирмиз деб, Зуваласи айрим битта хамирмиз деб.* Ғ. Ғулом. *Мингнинг зотини билгандан бирнинг отини бил, деганлар, танишиб қўяйлик, томир.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ТОМЛИ I Том билан ёпилган, томи бўлган. *Тунука томли уй.* ▬ *Сал юрилгач, дарахтзорлар, боғлар, похол ғарамлари... черепица ва қамиш томли уйлар қаторлашиб кетди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ТОМЛИ II Белгили томдан, жилддан иборат. *Икки томли шеърлар тўплами. Беш томли асар.*

ТОМЛИК Нечадир томдан, жилддан иборат бўлган асарлар тўплами. *Алишер Навоий асарлари ўн беш томлиги.*

ТОММОҚ Томчилаб оқмоқ; чакка-чакка оқиб турмоқ, тушмоқ, томчиламоқ. *Хатга сиёҳ томди. Шимга ёғ томди. Томчи томиб бўлгунча, дарё оқиб ўтади.* Мақол. *Тома-тома кўл бўлур, ҳеч томмаса, чўл бўлур.* Мақол. ▬ *Совуқ томчилар унинг юзига, бўйнига томиб ғашини келтирди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кўз ёшлари.. эгарнинг қошига ва отнинг ёлига тома бошлайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг кўзларидан оппоқ соқолига қатра-қатра ёш томар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

Кўзларидан қон томади Ўта ғазабли ҳолатни қайд этади. *Азим тажанг бир қадам олдинга ташлади. Кўзларидан қон томарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Оғзидан** (*ёки* **лабидан, тилидан**) **бол** (*ёки* **асал**) **томади** Ниҳоятда ширин сўз, хушмуомала. *Каттадан-кичикка оғзидан бол томиб муомала қиладиган хола негадир мен билан тил учида сўрашиб қўя қолди.* Т. Алимов, Дашшў. *Лабларингиздан бол томади, ёниб турган оловсиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Юзидан қон томади** *қ.* **қон**. [*Қишлоғимиз*] *Одамлари шунақанги хушбичимки, бир қарашдаёқ суқингиз киради. Юзларидан қон томади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Қамчисидан қон томади** Ўта золим, қаҳри қаттиқ. *Қиз аввал қўрқди, отаси унинг Сидиқжон билан сўзлашиб турганини эмас, боққа тушганини билса ҳам, терисига сомон тиқади: бу хусусда отасининг қамчисидан қон томар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТОМОГРАФ Томографияни амалга оширишда қўлланадиаган, махсус тузилишли рентген қурилмаси.

ТОМОГРАФИЯ [*юн.* tomos — қисм, бўлак; қават, қатлам + grapho — ёзаман] Рентгенографиянинг ўрганилаётган объектнинг қаватма-қават сояли тасвирини олиш усули.

ТОМОН 1 Бирор нарса ёки жой (макон)га нисбатан йўналишдаги жой, макон; тараф. *У томон. Бу томон. Кўчанинг икки томони. Боғнинг бир томони. Пайкалнинг тўрт томони.* ▬ *Бир томони босиб қолган кулбага Йўлчини ётқизишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хонанинг икки томонига каравот қўйилган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тўрт томон қум, хайрият, бунда ҳеч ким эшитмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ўзаро нисбатда, муносабатда бўлган шахс ёки шахслар гуруҳининг ҳар бири. *Душман томон. Қуда томон.* ▬ *Аммо ўз отасидек бўлиб қолган ноиб жанобларининг томонини олишни ҳам, ёвузона бир қудрат эгаси бўлган Зокир калла томонига ўтишни ҳам билмай, иккиланиб турарди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Ҳар икки томоннинг ишини кўрган одам муқаррар: «Булар ким тез қазирга ўйнашганов!» деб ўйлайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Абдураҳмон ёш бола экан, отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Томонини олмоқ Томонида туриб ҳимоя қилмоқ, қўллаб-қувватламоқ; ёнини олмоқ. *Дарвиш гов кўпинча фуқаронинг томонини олар, бекларга, навбати келмагунча, сув бермас эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сизни қаранг-у, яна ўшаларнинг томонини оласиз-а.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 (*кўпл. шаклида* — **томонлар**). Ўзаро мухолиф, зид муносабатдаги шахс ёки субъектлар. *Томонларни келиштирмоқ. Томонларнинг розилигини олмоқ.*

4 Иш, нарса-ҳодиса, масала ва ш.к. нинг қирралари, қисмларидан бири; жиҳат. *Масаланинг энг муҳим томони. Асарлардаги муштарак томонлар.* ▬ *Ҳа, бизнинг касбнинг ўзига хос нозик, жилов тутқизмас, баъзан асов, баъзан инжиқ томонлари бор.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мен кўлда чўкканим, боланинг қутқаргани қолиб, бошқа томонини айтдим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Аммо айни чоғда унинг ҳам ўзига хос заиф томонлари бор эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

5 *мат.* Текисликдаги геометрик шаклларни ҳосил қилувчи кесмаларнинг ҳар бири. *Тўғри тўртбурчак томонлари. Томонлари тенг учбурчак.*

6 *кўм. взф.* Макон, пайт, объект, сабаб каби муносабатларни, шундай маъноларни билдиради. *Биз томонга келяпти. Овоз кўча томондан келяпти. Кечга томон хабар олмоқ.* ▬ *Елкасига ташланган кителининг енгига қўл сола туриб, индамай эшик томон юрди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Кечга томон Собирнинг хонасига Одил бува кириб келди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Аммо оламшумул бу кашфиёт илмий кенгаш томонидан етарли баҳоланмаганга ўхшайди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бир томондан*

ферма мудири.. унинг ўрнида сиз бўлсангиз-у, кўз олдингизда боши очиқ бир жувон қилпиллаб юрса.. Э, содда экансиз, ука! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТОМОНЛАМА Миқдор билдирувчи сўзлар, шунингдек, *ҳар* сўзи билан қўлланиб, шу сўзлар англатган миқдорий нисбатни билдиради. *Ҳар томонлама асосламоқ. Бир томонлама баҳо бермоқ. Ғўза қатор ораларига икки томонлама ишлов бермоқ.*

ТОМОРҚА Қишлоқ меҳнаткашларининг ихтиёридаги, одатда, уларнинг қўрғони, ҳовли-жойи ёнида жойлашган ер бўлтаги. *Пенсияни нима қиласиз, мол-ҳол, томорқадан чиққан даромад етади икковингизга..* С. Нуров, Нарвон. *Ҳар ким истаса, ўз томорқасини, уйи олдини боғ қилиши мумкин.* «Муштум».

ТОМОША [а. تماشا / تماشى – ҳаракатланиш; айланиб юриш, сайр қилиш] **1** Оммавий равишда намойиш этиш учун тайёрланган саҳна асари, кўрсатув. *Театр томошаси. Цирк томошалари. Томоша зали. Томоша қўймоқ. Спектаклни қизиқиб томоша қилмоқ.* ▬ *Пешайвон ойнасига туширилган парда орқасидан Ҳамза чиқиб келди-да, томоша тугаганлигини эълон қилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Телевизорни кўраверарканмиз-у, томошаларни тайёрлаш қанчалик машаққатли бўлишини билмас эканмиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Табиий, у кўнди, шу йўсин эртага ўйналадиган томошага Султоналининг хотини ҳам ўргатилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Умуман, киши эътиборини тортадиган, эътибор билан қарайдиган, кузатадиган, ундан завқ-шавқ оладиган, таъсирланадиган нарса. *Чорсудаги чойхонадан ўтиб, ажиб бир томошанинг устидан чиқишди. Самовар тўла одам. Ашула, аския, ҳангома, қаҳқаҳа авжида.* К. Яшин, Ҳамза. *Оббў, пол ювишни кўриш ҳам томоша бўптими?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Балиқлар ҳам кўп аломат нарса-да, — деб қўйди томошага берилиб кетган Қудрат ичида.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Киши эътиборини тортадиган машмаша, жанжалли ҳолат; ҳангома. *Буларнинг қитиғига тегма. Агар газетага тортса, ғир этиб терговчи келади. Ана унда кўр томошани.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Томоша қилмоқ Томошани кузатмоқ, эътиборни тортадиган жой, нарса ва ш.к. ни кузатмоқ, кўрмоқ. *Ҳамза халққа қараб: -Ҳозир бир манзара кўринади, шуни томоша қиласизлар, — деб эълон қилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Йигит-қизлар яшнаб бораётган чўлни, янги қурилган иморатларни, тепаликни тилка-пора қилаётган экскаваторни томоша қилишарди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Уйга келдиг-у, Ювош иккаламиз юлдуз ва медалларни томоша қила бошладик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ТОМОШАБИН [*а.* + *ф.* تماشابين — томоша кўрувчи (қилувчи)] **1** Бирор томошани кўриш учун келган шахс, томоша кўрувчи. *Театр томошабинлари. Футбол томошабинлари.* ▬ *Томошабинлар чапак чалиб юбордилар. Ҳамма ёқдан қийқириқ эшитилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Халқ, саҳнанинг очилишини кутган томошабиндай, жим эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма дағл.* Бирор ишга лоқайдлик билан четдан қараб, кузатиб турувчи шахс. *Томошабин бўлиб турмоқ.* ▬ *-Хафа бўлманг, ака, — деҳқоннинг елкасига қоқиб юпатди Йўлчи,— фалокат эмас, арава синади, тузатилади.. Атрофда одам тўпланди. Баъзилар ачинади, баъзилар томошабин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жанжал эса борган сари газак оларди, ота-она ҳам уларнинг келишмовчилигига аралашмас, гўё томошабин ролини ўташар эди.* Газетадан.

ТОМОШАБИНЛИК Ўзини томошабин каби тутиш, томошабин бўлиб туриш. *Мафкуравий соҳада томошабинликка чидаб бўлмайди.* Газетадан.

ТОМОШАХОНА [томоша + хона] Томоша кўрсатиладиган жой, томоша муассасаси (театр, кино, цирк ва ш.к.). *Сарой улкан томошахонани эслатарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Янги қурилган бу иморатнинг биринчи қавати томошахона бўлиб, тепасига маданият уйи жойлашган.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТОМОШАЧИ Томоша қилувчи; томошабин. *Унинг [директорнинг] қовоғидан қор ёғар эди. Томошачилар гап нимада эканлигини тушундилар.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Сонсиз томошачи келган бу оқшом Бу мўл зиёфатни текин емоққа.* Миртемир.

ТОМОШАҚОВОҚ *бот.* Қовоқнинг еб бўлмайдиган, майда, фақат зийнат (манзара) учун экиладиган тури.

ТОМОҚ 1 Бўйиннинг энгак ости (тумшуқ ости) қисми. *Канизак кўк рўмолини томоғининг тагидан боғлаб олган.. ерга қараб жадаллаб келар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бирорта одам зиғирча камчилигимиз ҳақида оғиз очса, томоғидан ғиппа бўғамиз.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *анат.* Қизилўнгач билан кекирдак бошланадиган ер; бўғиз. *Томоқ оғриғи. Томоғим оғрияпти.* ▬ *Қизда уйқу йўқ. Унинг бадани қизғин, томоғи қақраган, юраги шиддатли уради.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Абдураҳмонбой*] *Томоғига совуқ ҳаво тиқилгандай, бир энтикди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳар ютуми томоқни қириб ўтади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Томоқ қирмоқ 1) томоққа урилиб (қириб) ўтадиган ҳаво билан овоз чиқармоқ (томоқни тозалаш ёки бошқа мақсадда, шунчаки). *У томоғини ора-сира қириб, энтикиб туриб гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дарвоза очаётган киши қаттиқ йўталиб, устма-уст тупурди ва томоқ қириб, «Кир!», деди бўғилиб.* Н. Аминов, Суварак; 2) шундай овоз билан нимадандир белги бермоқ, нимагадир ишора қилмоқ. *Томоқ қирсам, бас, шу тоб, Келтириб беш сих кабоб, Қўлимга тутиб шароб, Ичаверинг, хўп, дерди.* F. Маҳмудов, Вақтим зиқ. *..кекса бир уламо томоқ қириб, ўзидан хабар бермаганида, ким билади, у сукунат яна қанча давом этар экан?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Томоқни ҳўлламоқ** Ичимликдан (асосан, спиртли ичимликдан) бир оз олмоқ, ичмоқ. *Ёшликнинг охири, қариликнинг боши, дегандай, озроқ томоқни ҳўллаб олсак бўларди.* «Муштум». **Томоғи тақилламоқ** 1) ейиш ёки ичишга жуда талабгор бўлмоқ. *Томоғи тақиллаб турган Аҳмад бир отишда қадаҳни бўшатди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат; 2) бирор нарсани ундириш, олиш, эгаллаш пайида бўлмоқ. *Ҳалиги Мамасаид деганимизнинг қизи ҳам бўйига етиб, кўзга кўриниб қолди. Бирорта ҳамёни каттароққа пулласам, деб томоғи тақиллаб юрибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Томоғи қичимоқ** Бирор нарса ундиришни истамоқ, тама қилмоқ. *У томоғи қичиган куни бирор кишининг симини шартта узиб, уйига кириб кетади.* «Муштум». **Томоғидан ўтмаслик** 1) таом ёки суюқликни юта олмаслик (асосан, касаллик туфайли). *Томоғидан* [*бувамнинг*] *ҳеч нарса ўтмайди, сув ичса ҳам, ғарғара қилиб ташлайверади.* Газетадан; 2) еб-ичкиси келмаслик, кўнгли тортмаслик. *Қудрат томоғидан овқат ўтмай, икки қўли чеккасида, хаёл суриб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Томоғини ёғламоқ** (*ёки* **мойламоқ**) Пора бермоқ, пора ўрнидаги нарса билан сийламоқ. *Улар бойнинг қўзи ва қазилари билан томоғи мойланиб, ишни ёпиб юборган эдилар.* С. Айний, Қуллар. *Мудирга чўтал тўлаган юқоридаги кишилар «бошлиқнинг томоғини мойладик, энди овози чиқмайди», деб бир порцияли овқатни уч порция қилиб, хўрандаларни чўмичдан қоқа бошладилар.* «Муштум».

3 Таом, овқат, овқатланиш. *Тамли томоқ. Томоқ емоқ. Томоқ қилмоқ. Қарини томоқ асрайди.* Мақол. ▬ *Уйдагиларнинг сўзларинигина эмас, ҳатто томоқ чайнашларини ҳам эшитса бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Томоқдан кейин Отабек ҳам бир оз ухлаб олиш учун ётди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Текин томоқ 1) ўзганинг меҳнати билан юзага келган овқат. *Текин томоқ ичагингни тешади.* Мақол. *Текин томоқ танни тоза қилади.* Мақол; 2) ўзганинг ҳисобига яшовчи киши; текинхўр. *Аллонхўжа қўрасидаги қора ўтовларни оралаб, отбоқару фойтунчиларни, текин томоқ ялқовлар, деб сўкиб жувозга қувди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Ҳаром томоқ** Ҳалол меҳнат билан эмас, ҳаром йўллар билан кун кечирадиган. *Ҳаром томоқ одам ўғридан ёмон.* Уйғун, Ҳаёт чақиради.

ТОМТЕПАР *тар.* Чакка ўтадиган томни кўпчилик бўлиб тепиб зичлаш ва шу мақсадда уюштирилган ҳашар.

ТОМТЕШАР Том тешиб ўғрилик қилувчи ўғри; умуман, уй-хонадонларга тушувчи ўғри; муттаҳам, фирибгар. -*Мана бундан томтешар чиқади. Киссавур бўлолмайди, қўпол,* — *деди Султон Омонни кўрсатиб.* F. Ғулом, Шум бола. *Колхоз мулкини сенга ўхшаш томтешарлардан сақлайман.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТОМУҒ *қ.* **тамуғ**. *Унинг зиндонлари томуғдан баттар, Унинг кишани бор — умрга хатар.* Миртемир.

ТОМЧИ 1 Суюқликнинг заррачалари тортишуви натижасида айланма сирт билан чегараланган, бир томишдан ҳосил бўлган алоҳида кичик бўлаги. *Сув томчиси. Ёмғир*

томчилари. Бир томчи ҳам қолдирмай ичмоқ. Томчи сел бўлмас, душман эл бўлмас. Мақол. *Томчи тошни тешади.* Мақол. *Бир томчи сув чумолига дарё кўринади.* Мақол. ▬ *Бу гал қусуқ қонга айланган эди,* [*Кумушнинг*] *бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг* [*деҳқоннинг*] *офтобда куйиб пишган, этсиз, йирик ёноқли юзида кўз ёшими, терми, ҳар ҳолда томчилар юмаланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *шв. айн.* **чакка** II. *Томдан томчи ўтаётир.* ▬ *Ёмон бўлганда қандай — умрнинг заволи. Онам, томчининг ҳар «чиқ» этгани — бир кунлик умрнинг чиққани, дейдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Дарёдан бир томчи Кўпнинг, катта миқдорнинг жуда оз қисми, қатраси. *-Бу айтганларимиз дарёдан бир томчигина! — деди Олимов, болаларнинг кўпи ҳали қаноатланмаганини сезиб. — Тоғларимизда сир кўп.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТОМЧИЛАМОҚ Томчи-томчи бўлиб, тушмоқ; томмоқ. *Ёмғир томчилаяпти.* ▬ *Шох-шабба орасидан сув силқиб томчиларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кунботар олдида бир-иккита томчилагани бўлмаса, ёмғир ҳали ёққанича йўқ эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ТОН [*юн.* tonos — таранглик, тиғизлик; кучланиш] **1** *физ.* Мураккаб товуш спектрининг оддий тебранишлар натижасида ҳосил бўладиган энг кичик бўлаги.

2 Муайян баланд-пастликка эга бўлган товуш, мусиқа товуши. *Тебранувчи тор тарқатадиган энг паст частотали бу товуш торнинг асосий тони ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

3 *физиол.* Ишлаб турган юракнинг овози, товуши.

4 Нутқ, овознинг оҳанги, нозик фарқи. *[Заргаров (альбомни тез-тез варақлайди):] Ҳозир-ҳозир.. Ҳа, мана, мана! (Доклад тонида, баланд овоз билан) Ўртоқлар!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

5 *снт.* Рангнинг сифати; муайян рангнинг оч-тўқлиги, бошқа ранглардан фарқланувчи белгиси.

ТОНГ I **1** Кун чиқиш пайти, субҳидам, саҳар, азон. *Баҳор тонги. Тонг пайти. Тонг шабадаси. Тонг қоронғиси.* ▬ *Хўрозлар ҳам уйғониб, Бердилар тонгдан хабар. Кимларга оғир ботар, Кимни ширин аллалар.* Ғайратий. *Тонгга яқин тўплар, машиналар, танклар қаланган, жангчилар қайнаган катта манзилнинг кўйнига кирди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Эрта тонгда Нуруллабойда Аравага қўшилди отлар.* Э. Раҳим.

Ёлғон тонг *айн.* **субҳи козиб** *қ.* **субҳ**. *Тонг бўзариб ёришди. Ёлғон тонгда адашиб йўлга чиққан булутлар таралди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Тонгни тонг оттириб, кунни кун боттириб** Эрталабдан кечгача ва кечаси билан тинмай. **Тунни тонгга уламоқ** *ёки* **тонг оттирмоқ** Кечаси билан ухламай, бирор иш, хаёл ва ш. к. билан машғул бўлмоқ. [*Низомжон*] *Кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар наъмасидан, сувлар шилдирашидан кўнгилга аллақандай юпанч изларди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тўхта хола чинакчиликдан чиққан пахтасини кечалари йигирар, чарх олдида тонг оттирарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Эрта тонг** *ёки* **тонг саҳар** Жуда эрта, кун ёришар-ёришмас.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг бошланиш пайти, илк даври. *Бахт тонги.* ▬ *Кунлар келар — қоп-қора уфқ Ол шафақдан бўлар лоларанг, Нажот тонгин очади қуёш.* Ғайратий.

Тонг отди Қуёш чиқиш пайти яқинлашиб, кун ёришди. *Тонг отди. Тепаликларнинг қор босган оппоқ чўққиси, ўрмондаги дарахтларнинг учи қизарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТОНГ II: **тонг (қотиб) қолмоқ** *айн.* **донг қотиб қолмоқ** *қ.* **донг** II. *Ибодилла эрталаб дўконни очиб, ҳужрага кирди-ю, акасини кўриб, тонг қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Воқеа устига келган Ширин бу ҳолни кўриб, тонг қотиб қолган.* С. Айний, Қуллар.

ТОНГГИ Тонгга мансуб, тонгда бўлган ёки бўладиган. *Тонгги шабада.* ▬ *Конлар — инженерни, тоғлар — Фарҳодни, Устасин чақирар тонгги гудоклар.* Ғ. Ғулом.

ТОНГЛА *эск. кт.* Эртанги, келгуси кун. *Бугун дегани тонглага тўғри келмайди.* Ойбек, Навоий.

ТОНГОТАР Тонг отиш пайти; тонг, субҳидам. *Тошкент тонготари нақадар гўзал, Чиройли, тасвирга сиғмас, сермазмун.* Ғайратий. *Тонготарга яқин бир гумбурлаб, ер силкингандай бўлди.* Мирмуҳсин, Умид. *Чопиқ тонготардан кунботаргача давом этадиган бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТОНЕР [*ингл.* toner] Электрографик кўрсаткич (кўринадиган қиладиган модда); лазерли принтерда қўлланадиган бўёвчи кукун.

ТОНЗИЛЛИТ [*лот.* tonzilla – муртак бези, бодомсимон без] *тиб.* Муртак безининг яллиғланиши.

ТОНМОҚ 1 Қилмишини, айтган сўзи ва ш.к. ни бўйнига олмаслик; инкор этмоқ. *Гапидан тонмоқ.* ▬ *Айтдингиз, айтдингиз, нега тонасиз? Мен сизга айб тақаётганим йўқ-ку!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Марғилондан қайтгандан кейинги кунларингизни меҳмонхонада кечириб келишингиздан, албатта, тона олмайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман, бор, бўлган нарсани тан олмаслик; рад этмоқ. *Қарзидан тонмоқ.* ▬ [*Майсара Чўпонга:*] *Отанг раҳматликнинг сенга васият қилиб қолдириб кетган йигирма тилла пулига қози эшоннинг тониб кетишларининг сабаби бор экан.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Қулоқ солинг гапима, ҳай яхшилар, Оқ сут берган онадан тонган борми?* «Муштум».

ТОННА [*фр.* tonne < *лот.* tunne – бочка] Минг килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. *Беш тонна юк.* ▬ *Уч ўғлондир Андижон, Намангану Фарғона. Юртга айлар армуғон Миллион тонна дурдона.* Ё. Мирзо.

ТОННАЖ [*фр.* tonnage] **1** Кеманинг ёки кемалар мажмуининг юк кўтариш қобилияти (бўш ёки белгили юк ортилган кема сиқиб чиқарган сувнинг оғирлиги билан ўлчанади).

2 Вагон, автомобиль ва ш.к. нинг тонналар билан ифодаланган юк кўтариш қобилияти. *Адолат бўш машиналарни, албатта, орқасига қайтариб, шлагбаумни тоннажига лойиқ юки бор машиналаргагина очар эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТОННАЛИ 1 Тонна оғирлигидаги. *Бир тоннали тош. Юз тонналли бомба.* ▬ *Нормат виставкада турли нав буғдойларни, саксонтадан туққан наслдор чўчқалару ўн пақирлаб сут берадиган говмиш сигирларни, бир тонналли новвосларни кўрган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Маълум тонна юк элтадиган, кўтарадиган. *Уч тонналли машина. Эллик тонналли цистерна.* ▬ *Йигирма беш тонналли автокран етиб келгач.. Ҳасанов сим арқоннинг учига қўш батареяли лампани улаб, ёндириб қўйди.* И. Раҳим, Тақдир.

ТОННЕЛЬ *айн.* **туннель**. *Бригадир Смекалинни бошлаб, пастга – тоннель деворларини зичлаётган йигитлар ёнига тушиб кетди.* Газетадан.

ТОНОМЕТР [тон **3** + *юн.* metreo – ўлчайман] *тиб.* Қон босимини, шунингдек, кўзнинг ички босимини ўлчайдиган асбоб.

ТОП *с.т.* Тоб, пайт. *Шу топда. Ўша топда.*

ТОПАЗ [*юн.* topazos] Турли рангда бўладиган қимматбаҳо қаттиқ тош, минерал. *Топаз кўзли узук.* ▬ *Мисрликлар шиша буюмларни қимматбаҳо ёнартошларга: ёқут, зумрад, топаз, феруза.. марварид ва бошқаларга ўхшатиб ясар эдилар.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиш тарихидан.

ТОПАЛОҚ: **топган топалоқники** *бол.* Ким топса, ўшаники.

ТОПАРМОН Пул, даромадни яхши (кўп) топадиган. *Турсунбойлар қассоб гузаридан, отаси чаласовод, лекин топармон эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ТОПАРМОН-ТУТАРМОН Топиш-тутиши яхши. *Бош-кўзимни айлантириб, қўлга олдингиз, энди ҳунар чиқаряпсизми? Не-не топармон-тутармон йигитлар эшигимизнинг турумини бузиб, ўтарга йўл бермай юрди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ўғли топармон-тутармон, отасига ўхшаб уддабуронгина, тагида яп-янги машина.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

ТОПАР-ТУТАР *қ.* **топиш-тутиш.** *Кампир деразадан меҳмонхона томонга қараб қўйди.. Гулдай тоза, топар-тутари яхши, обрўйи баланд.* С. Нуров, Нарвон.

ТОПАҒОН 1 Тез, дарров топадиган, топқир. *Топағон бола.* ▬ *Фолчи жуда топағон экан, менинг отимни ҳеч ўйламасдан топиб берди.* «Эртаклар».

2 *с. т.* Топармон; топармон-тутармон. *Топағон эркак.*

ТОПАҒОНЛИК Топағонга хос хусусият. *Коля ўз гапи ўзига наша қилиб куларкан, Қудрат дўстининг топағонлигига ҳайрон қолди: -Қойилман миянгга, адаш! Топдинг, топдинг!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТОПГАН-ТАЯНГАН *айн.* **топган-тутган**. *Отаси қазо қилиб қолди. Отанинг жамғаргани, ўзининг топган-таянгани худойи, маъракаларга сарфланди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТОПГАН-ТУТГАН Ишлаб-кучлаб топилган, тўпланган бор-йўқ нарса; жамғар-

ма, буд-шуд. *Топган-тутганим сизники.* ▬ *Эндиликда чол-кампир топган-тутганини Топилга атаган, бутун эътимодини шу кенжа ўғилга қўйган.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТОПИК [*ингл.* topic < *юн.* topos – умумий жой, ўрин] *пед.* Бирор хорижий тилда аввалдан белгиланган мавзу бўйича тузилган, айни хорижий тилни ўрганувчиларга оғзаки нутқ малакаларини ривожлантиришга, шунингдек, ўқувчилар билимини текширишга хизмат қиладиган матн.

ТОПИЛДИҚ *айн.* **топилма 1.** *Янги топилдиқ узоқ ўтмишни ўрганишда ёрдам бермоқда.* Газетадан.

ТОПИЛМА 1 Изланиш, қидирув ишлари натижасида топилган нарса. *Антик даврда суғоришга асосланган деҳқончиликнинг тараққий қилганлигини жуда кўп археологик топилмалар тасдиқлайди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Маҳаллий газетанинг ёзишича, топилманинг ноёблиги мурда кўмилгандан буён миянинг ҳеч қандай ўзгаришга учрамаганидадир.* «Фан ва турмуш».

2 Ҳар қандай топиб олинган нарса. *Топилмаларни эгаларига қайтармоқ. Топилмалар бюроси.*

ТОПИЛМАС Кам топиладиган ёки сира топилмайдиган; нодир. *Топилмас мато.* ▬ *Ёш йигитнинг кўнглида томчилардан ҳосил бўлган севги тобора чуқурлаша берди. Тўлиб етилган қиз энди унинг кўз олдида тенги топилмас гўзал бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТОПИЛМОҚ 1 Топмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Йўқолган китоб топилди. Ҳамма саволларга жавоб топилди. Фикр маъқул топилди. Ишнинг янги усуллари топилмоқда. Бош омон бўлса, дўппи топилар.* Мақол. *Меҳнатсиз топилган ошдан меҳнатда топилган тош яхши.* Мақол. ▬ *Онам билан маним бахтимга кутмаган жойдан мўъжизадек бу мактуб топилди-да, мен хизматингизга югурдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аммо булоқнинг топилиши ҳали сувни эгатларга оқизиш деган гап эмас эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Мавжуд, бор бўлмоқ. *Сизда бир варақ қоғоз топиладими?* ▬ *Қоратой, бир танга пул топиладими сенда? Носвой йўқ, эртадан бери хумориман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бас, бу ҳийлалар, бу макрлар сиздан бошқа кимдан топилсин?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хуллас Павел Иванович Петровский мактаб яратган забардаст олим бўлиб, унинг фикри билан ҳисоблашмайдиганлар камдан-кам топиларди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТОПИНМОҚ 1 *дин.* Сиғинмоқ, чўқинмоқ. *Оловга топинмоқ.* ▬ *Ҳиндистонда ҳайвон ва ўсимликларга топиниш ҳаддан ташқари кучли.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *..улар аёл зотини илоҳийлаштирар экан, бир замонлар унинг лойдан ва ёғочдан ясалган шаклини уйлари тўрига қўйиб, унга топинишаркан.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 *кўчма* Сажда қилмоқ, бош эгмоқ. *Пулга топинмоқ.* ▬ *У* [*Зумрад*] *ўзининг нафис завқига бовар ишқини гапиради, маъшуқининг ақлига, қалб гўзаллигига, инсоний ғурурига топинади.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТОПИШ 1 Топмоқ фл. ҳар. н. *Саволга жавоб топиш. Иш топиш. Сонларнинг умумий бўлувчисини топиш.* ▬ *Қолган хизматларингизнинг биттаси энди менга эр топиш эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаёт Салтонбунинг сўзларидан тасалли топишга улгурмай, Мастон кампир унинг ўтини ловуллатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ишлаб-кучлаб ёки бошқа бирор йўл билан даромад, пул олиш, келтириш, ишлаш; даромад. *Унинг топиши яхши.* ▬ *Кампир дарчадан* [*Сидиқжонга*] *рўпара бўлди: -Шундоқ деган бўлсам, ажаб қилибман, хўп қилибман! – деди икки қўлини сонига уриб, – уйни уй қилган эрнинг топишию хотиннинг кўрпа иши!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кунлик топиши яхши бўлиб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ишингизга сира тушунолмай турибман, Йигитали ака, топишингизнинг ҳам тайини йўқ..* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ТОПИШЛИ-ТУТИШЛИ *айн.* **топиш-тутишли** [*Алижон*] *Топишли-тутишли бола бўлмасаям, қанотимнинг остида бўлса нима қиларкан. Мен шўрликни қон йиғлатиб кетиб қолди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ТОПИШМАЧОҚ 1 *кам қўлл. айн.* **бекинмачоқ.**

2 *айн.* **топишмоқ** II **1.** *Топишмачоқ ўйнамоқ.*

ТОПИШМОҚ I 1 Топмоқ фл. бирг. н. *Болалар янги ўйин ўйлаб топишибди. Уни ишхонасидан топишди.*

2 Учрашмоқ, йўлиқмоқ; бир-бирини топмоқ. *От кишнашиб топишар, одам — эслашиб.* Мақол. ▬ *-Бу ёғи ўзингга маълум, синглим, — хўрсиниб гапида давом этди акам, — биз дадам билан қўққисдан болалар уйида топишдик.* Газетадан. *Икки ўртоқ ишхонада тасодифан топишиб қолишди, бола-чақа, қозон-товоқ, сигир-бузоққача сўрашишди.* «Муштум».

3 Ўзаро тил топиб, келишиб бир бўлиб олмоқ, иноқлашмоқ. *Ўқитувчи сўраб баъзи мактаблардан келишган вакиллар ўзларига теккан ёш ўқитувчилар билан дарров эски қадрдонлар каби топишиб олишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳанифа Намозов билан ўз эркича топишмаган, балки эски урф-одат бўйича уни никоҳлаб, эрга топширган бўлсалар керак.* С. Анорбоев, Меҳр.

Тил топишмоқ Элакишмоқ, дўстлашмоқ. *Муроджон Набижонов бўлса, қувноқ, камтар бир йигит экан. Бир нафасда биз билан тил топишиб, дўстлашиб олди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. *Комилжон бу ердагилар билан тил топишиб, оға-инидай бўлиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТОПИШМОҚ II **1** Топишмачоқ ўйинида: топилиши керак бўлган нарса, ҳодиса ва ш.к. нинг рамз ва ўхшатмалар орқали ифодаланган қисқа тавсифи; жумбоқ. *Халқ топишмоқлари.* ▬ *Болалар Нуридан сўрашди. Нури эртак эмас, бир неча топишмоқ айтишга мажбур бўлди. Лекин оғзидан чиқмасдан, болалар топаверди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма кам қўлл.* Тушунилиши қийин, сирли нарса; жумбоқ, муаммо. *Гапларингиз худди топишмоққа ўхшаб кетади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳаёт ҳам гоҳо топишмоққа ўхшаб қолади. Тез орада тақдирингиз ҳал бўлишини биласиз-у, аммо нима бўлишини, қандай бўлишини тополмайсиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТОПИШТИРМОҚ 1 Топишмоқ фл. орт. н. *Узоқ кўришмаган оғайниларни топиштириб қўйдик.* ▬ *Ким мени асримнинг катта йўлига олиб чиқди, ким кишилик билан топиштирди?* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *с.т. кам. қўлл.* Топширмоқ. *Хатни эгасига топиштирмоқ.* ▬ *-Нима иш қилмоқчисиз? -Сиз ҳозир сўраманг, аммо шу дақиқадан бошлаб ихтиёрингизни менга топиштиринг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТОПИШ-ТУТИШ Ишлаб-кучлаб ёки бошқа бирор йўл билан топиладиган пул, даромад ва уни жой-жойига сарф қилиш. *Топиш-тутишим ёмон эмас, чўнтагим тўла пул, ҳеч нарсадан камим йўқ.* Газетадан. [*Фотима*] *Топиш-тутиши катта бўлган бозор паттачисига турмушга чиқди.* Мирмуҳсин, Умид. *Шундай ишчан, топиш-тутиши яхши бу жувоннинг, кампир айтганча, ёмон кийиниб юришига ажабланардим.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ТОПИШ-ТУТИШЛИ Кўп пул топадиган ва уни жой-жойига сарфлай биладиган, топиш-тутиши яхши; топармон. *Ўзиниям нақ кўрсангиз: ақлли-ҳушли, топиш-тутишли.* Ойдин, Ўзидан кўрсин.

ТОПМОҚ 1 Йўқотган, умуман, қидирилаётган (қидирувда бўлган) нарса ёки шахсни дуч келтирмоқ, кўзга илинтирмоқ, учратмоқ. *Сўрай-сўрай топдим, тезроқ қайтай, ука.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чўнтакларини алғоқ-далғоқ қилиб қидирар, топа олмай хижолат бўларди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Ўн ботирнинг ҳужжатларини олганда, Аҳметгалининг онасига юбормоқчи бўлган сурати билан хатни топдилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ўзимга ўхшаш ўқимишли, бопини ўзим топаман.* «Муштум».

2 Ногаҳон кўзи тушиб қўлга киритмоқ; топиб олмоқ. *Бу қамчинни келаётиб кўчадан топдим.* ▬ *Рустамнинг биринчи хатини адабиёт китоби орасидан топиб олган куни аллақандай туйғудан бошим айланиб кетган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Қидириш, кузатиш, изланиш натижасида кашф этмоқ, очмоқ. *Геологлар янги-янги ер бойликларини топмоқда.* ▬ *Фойдали қазилмалар конларини топиш.. иқтисодий ривожланиш суръатини жадаллаштиришга кўмаклашади.* Газетадан. *Мели полвон хижолат чекди, лекин кулгига парво қилмагандай, дуторга аччиқ қилиб сўзлади: -Сени ўйлаб топган Афлотунни кўп ақлли одам ўтган дейдилар-у..* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Номаълум бўлган нарсани аниқламоқ, нима эканини белгиламоқ, тайин этмоқ. *Топишмоққа тўғри жавоб топмоқ.* ▬ *Бурунги замонларда Ибн Сино, Луқмон Ҳаким ўтган. Улар ҳар бир касалга даво топган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дили яқин одамлар бир-бирининг кўнглидагини дарров топади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ақлли тўнгакка*

нозик ерини, ёриладиган ерини топиб туриб болта уради — ақли билан ёради.. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Умуман, иш-меҳнат, бирор сабаб ва ш.к. билан эга бўлмоқ, эришмоқ. *Ботир топса, барча ер, Бахил топса, босиб ер.* Мақол. *Меҳнат қилиб топганинг, Қанду асал тотганинг.* Мақол. ▬ *Майли, ишлайвер, бироқ топганингни очкўз чолнинг қўйнига солаверма.* Ойбек, Улуғ йўл. *Бизлар мисқоллаб обрў топамиз, ўғилларимиз ботмонлаб бу обрўйни тўкадилар!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бувам фарзанд кўрмай-кўрмай, қариганларида топган ёлғиз ўғиллари дадам экан* [*деди Саид*]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

6 Баъзи сўзлар билан бирикиб (баъзи бирикмалар таркибида), шу сўздан англашилган нарсанинг юз бериши, юзага келиши маъносини билдиради. *Ташкил топмоқ. Қарор топмоқ. Ривож топмоқ. Камол топмоқ. Барака топмоқ. Лаззат топмоқ. Озор топмоқ. Нажот топмоқ. Дардига даво топмоқ.* ▬ *Табиб қўй жигарини хом кабоб қилиб, бужғун сепиб енг деган экан, бир-икки қипти, лекин ишфо топмабди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Анзират холанинг бу гапидан кейин у можаронинг энг хунук оқибати барҳам топгандай енгил тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 *Боғлама взф.* «Ҳисобламоқ», «деб билмоқ» маъносини билдиради. *Маъқул топмоқ. Мувофиқ топмоқ.* ▬ *Унинг.. сўзларидаги қишлоқча соддалик ва тўғрилик (бу хусусиятни камбағал одамларда катта фазилат деб топар эди бой) унга жуда ёқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..кексалик, яна ёдимдан кўтарилиб кетмасин, деб дафтарга чизиқлар тортиб, белгилар қўйишни лозим топдим.*

Топгани *ёки* **топган гапи, топган одами, топган нарсаси** Фақат айтилган иш-ҳаракат, гап-сўз, кимса.. ёки нарсанигина билиш, бошқаси билан иши йўқлик, бошқасини тан олмасликни қайд этади. *Уларда* [*Кумуш ва онасида*] *эпақали бир мия, Ҳасаналига йўл кўрсатадиган ихтиёр қолмаган, топганлари фақат йиғи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Икки дунёда ҳам ўғлингиз ёрилиб: «Хотин олиб бер», демайди. Топиб олгани китоб, айб ўзингизда.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ифодасини** (*ёки* **аксини**) **топмоқ** Акс этмоқ, бор бўлмоқ, ифодаланмоқ. *Шоирнинг бу вақтлардаги ҳаёти, мусофирлик, ғарибу бекаслик изтироблари унинг асарларида ўз ифодасини топди.* «ЎТА». *Барқарор жуфт сўзлар орфографик, қиёсий, изоҳли.. луғатларда ўз ифодасини топиши шарт.* «ЎТА». *Ҳуруфийларнинг ақидасича, коинот абадулабад, илоҳий ибтидо одамда ўз аксини топган..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Кўнглини топмоқ** *қ.* **кўнгил.** *Киши кўнглини топиш осон ҳунар эмас.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Фано топмоқ** *қ.* **фано.** *Бу кун пойтахт маъюс туради: Фано топмиш Муҳаммад Султон.* М. Али, Гумбаздаги нур. **Эсини топмоқ** *қ.* **эс**. *Юсуфбек ҳожи хотинининг сўзини бу гал ҳам эламайдир, фақат: -Қўя бер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир кун эсини топар, — деб қўядир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзини қўйишга** (*ёки* **қўярга, қўйгани**) **жой тополмаслик** Нима қилишини билмай, ниҳоятда ноқулай ва безовта ҳолатга тушмоқ. *Обидов ўзини қўярга жой тополмай қолди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ТОПОГРАФ Топография мутахассиси. *Бу ғорда топографлар яшашган бўлса керак.* Газетадан.

ТОПОГРАФИК Топография ва топографга оид, топография ишлари учун хизмат қиладиган, топография усуллари билан тайёрланган. *Топографик шартли белгилар. Топографик сурат (тасвир). Топографик харита.* ▬ *Экспедициялар қанча-қанча оғирчиликларни енгиб, янги маршрут схемалари, топографик съёмка [тасвир]лар, геологик маълумотларни қоғозга туширавердилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТОПОГРАФИЯ [*юн.* topos — жой + grapho — ёзаман] Геодезиянинг бирор жойнинг, ер сатҳининг географик ва геометрик элементларини тасвирлаш ва шу асосда топографик хариталар яратиш усулларини ўрганувчи бўлими. *Ҳарбий топография.*

ТОПОНИМИК Топонимикага оид. *Топонимик тадқиқот. Топонимик харита. Топонимик тасниф.*

ТОПОНИМИКА [*юн.* topos — жой + onyma — ном] **1** Бирор жойнинг, ҳудуднинг географик номлари (аҳоли пунктлари, дарё, кўл ва б. номлари) мажмуи. *Тошкент топонимикаси. Топонимика луғати.*

2 *тлш.* Лексикологиянинг географик номларни ўрганадиган бўлими.

ТОПОНИМИЯ *айн.* **топонимика 2.**

ТОПОНИМЛАР Жой номлари. *Ўзбекистон топонимларининг лексик-семантик таснифида терминологик бир хиллик йўқ.* «ЎТА».

ТОПТАМОҚ 1 Оёқ билан босмоқ, эзмоқ. *..ёнаётган хасни ботинкаси билан топтаб ўчирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Пайҳон қилмоқ. *Пода экинларни топтаб ўтибди.* ▬ *Косиблар таланган, деҳқонларнинг экинларини кўчманчи қўшиннинг беҳисоб моллари топтаб ташлаган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Душманларнинг қадами билан Топталмасин боғ, чаман, гулзор.* Ғайратий.

3 *кўчма* Оёғости қилмоқ, поймол қилмоқ, таҳқирламоқ. *Босқинчилар қарам мамлакатлар халқларининг миллий ҳуқуқларини топтаб келдилар..* ▬ *Бизни, сени қўриқлайман, деб урушга кетган эрингнинг соф муҳаббатини топташга қандай кўнглинг бўлди?* С. Зуннунова, Олов. *Меҳнаткаш халқ, жафокаш халқ.. оғир кулфатлар чекар, унинг инсоний эрки топталар эди.* Газетадан.

ТОПШИРИҚ Кимсанинг зиммасига юклатилган иш, вазифа. *Ҳукумат топшириғи. Топшириқ бермоқ. Топшириқ олмоқ.* ▬ *Энди депутат бўлиб, сизларнинг топшириқларингизни ҳам жонимни аямай бажараман.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Терговчи ҳам хит бўлди. Ахир, у бу ерга ўйнагани келмаган-ку. Махсус топшириқ билан, оқни оққа, қорани қорага ажратиш учун келган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу менинг эмас, деканнинг топшириғи. Шикоятингиз бўлса, ўзига айтинг.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТОПШИРМА *шв. айн.* **топшириқ**. *-Дастурхонни ёпингиз, — деди у ўзининг жанубий шевасида, — сизга муҳим топширма бор.* «Муштум».

ТОПШИРМОҚ 1 Кимсанинг ўз қўлига ёки ихтиёрига бермоқ. *Хатни эгасига топширмоқ. Китобларни кутубхонага топширмоқ.* ▬ *Чол каловланиб ўрнидан турди: -Юра қол, қизим, ман сани кампирга топшириб чиқай.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сарбозлар шайхга кишан калитини топшириб, от чоптириб кетдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Қизилқумдан кийик боласи келтириб, ҳайвонот боғига топширибди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Ўз қўлидаги, ихтиёридаги нарсани кимсага келтириб бермоқ, ўтказмоқ. *Давлатга пахта (пилла, ғалла) топширмоқ.* ▬ *-Сиз учун, Эргаш ака, — деди, — бир бешотар топиб бераман. Бу менинг ўзимники, ўз яроғларимни топширганда, комиссия раисидан «ўзимни қўриқлаш учун», деб тилаб олиб эдим.* С. Айний, Қуллар.

3 Зиммасидаги иш, лавозим ва ш.к. ни бермоқ, ундан кечмоқ, холи бўлмоқ. *Раисликни топширмоқ. Мудирликни топширмоқ.* ▬ *-Ҳозир сменани топшираман, — деди кондуктор, — бизникига борамиз.* «Гулдаста».

4 Бирор гап-сўз, хабар ва ш.к. ни ўз эгасига етказмоқ, маълум қилмоқ. *Дўстларнинг саломини топширмоқ.* ▬ *У овқатланиб бўлгач, Роҳат хола «наказларни» оқизмай-томизмай топширди.* «Гулдаста». *У* [*хотин*] *супага яқинлашгач, Йўлчи ўрнидан туриб салом берди ва онасининг саломини топширди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Иш-вазифа юкламоқ, буюрмоқ. *Ўтар бобо ўғилларига иш топшириб бўлиб, Авазга ўгирилди: -Сен Аҳмаджон оғангни чорлаб келасан.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Меъмор ювиниб, намозни ўқиб олгач, ҳовлига чиқди. Нонуштага ҳозирлик қилишни шогирдларига топширди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Энди забастовкалару митинг-питингларни тарқатиш билан овора бўлиб юрманг, бу ишни бошқаларга топшираман.* К. Яшин, Ҳамза.

Имтиҳон топширмоқ Бирор фан, унинг соҳаси юзасидан сўроқ-саволларга жавоб бериб синовдан ўтмоқ. *Насиба кузда ҳамма фандан аълога топширмаса, йўл қўймайман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Чарос билан охирги марта кўришганидан буён ўтган бир ярим ой ичида эсдан оғиб қолмаганига, қишки имтиҳонларини қандоқ топширганига ўзиям ҳайрон бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Омонатини топширмоқ** Жон таслим қилмоқ, оламдан ўтмоқ; ўлмоқ. **Тупроққа топширмоқ** Дафн этмоқ. *Тупроққа топширдик биз жўрамизни..* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *..ака-ука Умар полвон билан Рустамжонлар ҳам қийноқда жон берган оталарини она тупроққа топшириб, кўплар қатори мардикорга сафар жабдуғини ноилож ҳозирлашди.* К. Яшин, Хамза.

ТОПҚИНЧИ *шв.* Топқир. *Биз қўлимиз билан ушламасак ҳам, кўзимиз билан кўрмасак ҳам топадиган топқинчи — билгирмиз.* «Эртаклар».

ТОПҚИР I **1** Навбатдаги гуруҳ, туркум. *..Меҳринисо шошиб қолган, келаётганлар босим ўтиришмас.. уларни кузатиб қайтиши биланоқ, кетма-кет яна бир топқири кириб келарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Марта, карра. *Овчи бирин-кетин икки топқир ўқ узди.* ▬ *Ҳирот хўрозлари кечанинг сукутини иккинчи топқир бузганда, Дарвешали кўзларини уқалаб, ўз хонасига чиқди.* Ойбек, Навоий. У *Коля билан нимадир шивирлашиб, уч-тўрт топқир эшикка чиқиб келди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТОПҚИР II Тез, дарров топадиган, фаҳми ўткир; топағон. *Топқир одам.* ▬ *Бири жуда севимли. Қўнғироқли қўзичоқ; Иккинчиси «Бек» номли Зийрак, топқир, овунчоқ.* З. Диёр. *Изқувар ўз атрофидагиларга қараганда ақллироқ, идроклироқ, топқирроқ бўлиши шарт.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ТОПҚИРЛИК Тез топиш кўникмасига эгалик. *Ҳа, тушунарли, чайқовчи экан, деб қарор қилдим. Шунда ўзимнинг топқирлигимга ўзим қойил қолиб қўйдим.* Ф. Мусажонов, Пушаймон. *Раҳматулла шундай деб, ўзининг топқирлигига ўзи ҳам ҳайрон илжайди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ТОР I **1** Эни, кенглиги унча катта бўлмаган; энсиз, камбар. *Тор лента. Тор кўча. Тор йўлак.* ▬ *У баланд бўйли, пешонаси тор, ўткир юзли, бети ҳам соқолидай қоп-қора киши.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳажми, сиғими унча катта бўлмаган; сиқиқ. *Тор уй. Тор кийим.* ▬ *Қоратой турди, тор ва дим ҳовлида бўғилган каби, эски, йиртиқ кўйлаги билан елпинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ушбу кенг дунё кўзимга бўлди тор*! А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аваз ярим соатча дам тортиб ўтирди-ю, бу тор, нимқоронғи устахонадан зерикиб чиқиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Домла, бошида чамандагул дўппи, эгнида калта ва тор катак кўйлак.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

3 *кўчма* Чегараси, кўлами унча катта бўлмаган, чекли. *Тор соҳа. Тор доирада қўлланадиган сўзлар.*

4 *кўчма* Жуда қаттиқ, бахил одам ҳақида. *Торга тор дунё, кенгга кенг дунё.* Мақол.

Дўппи тор келмоқ Ноқулай, ночор, танг аҳволда қолмоқ, аҳволи мушкуллашмоқ. *Баъзи қаллоб одамлар учун нима кўп — важкорсон кўп. Дўппи тор келганда, оғизларига келганни қайтаришмайди.* Газетадан. *Дўппи тор келдими, дарров Жўрабоевнинг паноҳига тиқилишади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ёлғон чиқиб гапи, дўппи тор келса, Ҳеч ким йўғин пойлаб сўрайди узр!* С. Абдуқаҳҳор. **Кўзи тор** Ўта хасис, зиқна. *..кўзи тор савдогарларни.. сатира остига олади.* «Муштум». *Ўзлариям ўлгунча кўзи тор, зиқна одам, пул бўлса-бўлгани..* Ғ. Ғулом, Шум бола. **Феъли** (*ёки* **юраги**) **тор** 1) *айн.* **кўзи тор.** *Уларда пул бўлади, биламан. Лекин аёлларининг феъли тор. Кафанликка дока беришса ҳам катта гап.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) кишиларга яхшилик, хушмуомала билан муносабатда бўлмайдиган, зиқ муносабатли. *Мудиринг нокасроқ, феъли торроқ одамга ўхшайди. Эҳтиёт бўл унақалардан, жиян.* С. Нуров, Нарвон. *Аваз ўз феълини билади: у инжиқ, юраги тор, қўрс.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қўявер, ука, эр-хотинчиликда ўтади. Баъзи хотинлар юраги торроқ, ғайирроқ бўлади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТОР II [*ф.* تار — ип, арқон, тола; дутор ипи; соч толаси] Чолғу асбобларининг тебраниб товуш чиқарадиган ипи. *Ипак тор. Сим тор.* ▬ *Чолғумнинг тори таранг, Мени кўрган ёв гаранг. Қандай бахтли мен, қаранг.* Ҳ. Пўлат. *Мели полвон дуторини қўлига олди. Бироқ қулоқлари ҳаддан ортиқ буралган дутор бардош бермади — узилиб кетган тордан инграгандай нидо эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уйга қайтгач, от қилидан тор тортиб, ўйинчоқ дуторча ясадим.* «Гулдаста».

2 *қ.* **дор 1.** *Уйнинг бир деворида шарқча қилиб тор тортилган, тор устида Қутбиянинг кийимлари қаторида Ҳасаннинг ҳам бeқасам тўни.. ёйилган эди.* С. Айний, Қуллар.

3 *кўчма* Торга нисбатланувчи нарсани билдиради. *Юрак торлари. Қалб тори.* ▬ *Кунлар яқин, чертажакмиз севги торини..* Ғайратий. *Рауфнинг таъналардан бўшашган торлари тортилиб, зарур ритмга мослашди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ғуломжоннинг асаб торлари тортилди, аламига алам қўшилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тори (*ёки* **асаби**) **таранг** Жуда диққат, асаби бузуқ. *Йўқчилик ўлсин, икковининг ҳам тори таранг, сал нарсага қизаришиб қолади.* «Муштум».

ТОР III [*ф.* تار — мусиқа асбоби тури; гитара] **1** Рубобга ўхшаш сим торли халқ

мусиқа асбоби. *Озарбайжон тори. Кавказ тори. Торни созламоқ.* ▬ *Торини аста-секин черта бошлади. Кейин завқ билан, ҳарорат билан чалишга тушди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Умуман, торли чолғу асбоби. *Ўртоқларим, қўлга олсам торимни, Беихтиёр ёдлайдирман ёримни!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТОРАЙМОҚ 1 Эни, ҳажми кичрайиб, сиқилиб кичик тортмоқ, кенглиги қисқармоқ, тор бўлмоқ. *Кўйлак ювилиб торайибди. Йўл торайиб қолибди.* ▬ *Орол майдони асосан саёз жанубий ва шарқий қисмлар ҳисобига торайиб бормоқда.* «Фан ва турмуш». *Тамаки чекиш орқасида томирлар торайиши билан бирга, томирларнинг девори ҳам ўзгаради.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Иш кўриш, вазифа доираси қисқармоқ, чекланмоқ. *Иш доираси торайди. Ҳуқуқи торайди.*

ТОРЕАДОР, тореро [*исп.* toreador < toreo – буқалар жанги < toro – буқа] Испания, Португалияда ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларида: буқалар билан бўладиган жангнинг асосий, буқаларга ҳалокатли зарбалар берувчи иштирокчиси.

ТОРИЙ [*лот.* Thorium – қад. скандинавия мифологиясидаги момақалдироқ ва чақмоқ маъбуди, зироат, ҳосилдорлик ҳомийси Тор (Dorr) номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; радиоактив оқиш кулранг юмшоқ металл.

ТОРЛИ Тори бўлган, тор туфайли овоз берадиган. *Торли мусиқа асбоби. Тўрт торли танбур. Сим торли дутор.* ▬ *Чанг – ўзбек халқ чолғу асбоблари орасида энг кўп торлиси ҳисобланади.* Газетадан.

ТОРЛИК 1 Тор ҳолатга эгалик. *Йўлнинг торлиги. Уйнинг торлиги. Менга эшик торлик қилди.* ▬ *Энди Ғиёсиддинга Андижон торлик қилди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Кампирнинг торгина ҳовлисига у гўё учиб кирди. Ҳовлининг торлиги ҳам билинмади унга.* «Гулдаста».

2 *кўчма* Ўтакетган қаттиқлик, хасислик. [*Куёв*] *Ўта зиқналикдан, торликдан, дамлаб ичадиган чойларини ҳам ўлчаб берадиган бўлди, тийинларини туфлаб тугди.* Ш. Ғуломов, Саҳрода.

ТОРМОЗ [*юн.* tormos – ғилдирак айланишини тўхтатувчи мих тиқиладиган тешик] **1** Машина, механизм ва ш.к. нинг ҳаракатини секинлатиш ёки тўхтатиш учун хизмат қиладиган қурилма. *Механик тормоз. Пневматик тормоз. Велосипед тормози. Тормоз педали.*

Тормоз бермоқ (*ёки* **қилмоқ, босмоқ**) *айн.* **тормозламоқ**. *Машина туғруқхона эшигида секин тормоз бериб тўхтади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мукаррам тормозни босди, тракторидан тушиб, машина томонга юрди.* С. Кароматов, Ҳаёт қандай яхши. *Станциядан ўн беш километр наридаги разъездга етганда, паровоз тормоз берди.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.

2 *кўчма с. т.* Бирор иш-ҳаракатга халал берувчи, уни секинлатувчи нарса, ғов, тўғаноқ, тўсиқ. *Наслчилик ишларини издан чиқариб, ўзи* [*Жуманиёзов*] *катта бир тормозга айланиб қолди.* «Муштум».

ТОРМОЗЛАМОҚ Тормозларни ишга солиб, машина, механизм ва ш.к. нинг ҳаракатини секинлатмоқ ёки тўхтатмоқ; тормоз қилмоқ, тормоз бермоқ. *Машинани тормозламоқ.*

ТОРМОЗЛАНИШ 1 Тормозланмоқ фл. ҳар. н. *Автоматик тормозланиш.*

2 *физиол.* Нерв тизимининг қўзғалишига йўл қўймайдиган жараён. *Шартли тормозланиш.* ▬ *Уйқу тормозланишнинг ўзига хос формасидир.* А. Зоҳидов, Узоқ умр сирлари. *Бош мия яримшарларидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари хотирага ҳам ўз таъсирини ўтказади.* «Фан ва турмуш».

ТОРМОЗЛАШ 1 Тормозламоқ фл. ҳар. н. *Машинани тормозлаш.*

2 *физиол.* Нерв марказлари ёки аъзолари фаолиятини маълум тарзда сусайтириш ёки тўхтатиш. [*Мия*] *Янги шароитда шартсиз рефлекс билан мустаҳкамланмайдиган дастлабки шартли рефлексларни тормозлаш билан жавоб беради.* «Анатомия».

ТОРМОЗЛИК: тормозлик қилмоқ *с.т.* Тўсқинлик қилмоқ, ғов, тўғаноқ солмоқ. *Ишга тормозлик қилмоқ.*

ТОР-МОР [*ф.* تارومار – тарқоқ, тартибсиз ҳолга келган; пароканда; йўқ қилиш]: **тор-мор бўлмоқ** Қақшатқич зарбага учраб йўқ бўлмоқ, маҳв ўлмоқ, ер билан яксон бўлмоқ. **Тор-мор қилмоқ** (*ёки* **этмоқ, келтирмоқ**) Қақшатқич зарба бериб йўқ қилмоқ, маҳв этмоқ, ер билан яксон қилмоқ. *Дарҳақиқат, халқларимиз манфаатлари*

йўлидаги муштараклик фашистларни тор-мор қилган эди. Н. Сафаров, Оловли излар. *Якшанба куни шаҳарнинг кириш дарвозасидан уч фарсах нарида икки томон сарбозлари тўқнашиб.. бухороликлар тор-мор этилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОРНАДО [*исп.* tornado] Шимолий Америкада бўладиган қуюн, гирдобларнинг номи.

ТОРОЖ [*ф.* تاراج – ўғирлаш, талаш; ўлжа]: **торож қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) *кт.* Таламоқ, талаб кетмоқ. *Қўшин тортиб, неча ерларни торожу талон этди.* Фурқат.

ТОРПЕДА [*лот.* torpedo – электр балиқ] Кемаларнинг сув ости қисмига шикаст етказиш учун қўлланадиган, бош қисми портловчи модда билан тўлдирилган сигарасимон ўзиюрар мина. *Торпеда қўймоқ.* ▬ *Биз нарсаларимизни йиғиштириб.. таваккал қилганча каютадан чиқдик. Шу пайт торпеда портлади.* «Ёшлик».

ТОРС: **торс ёрилмоқ** «Тарс» этган товуш чиқариб, шиддат билан ёрилмоқ, иккига ажралмоқ. *Пичоқ қўйиши билан қовун торс ёрилди.* ▬ [*Зилзиладан*] *Айвон ҳам қийшайиб қолган. Унинг деворлари ҳам торс ёрилган, полда девордан тушган сувоқ парчалари ётибди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Гумбура-гумбур бошланиб, ердан момақалдироқ кўтарилди, бундан гўё осмон торс ёрилиб, ер ловуллаб ёнди.* И. Раҳим, Мангулик қўшиғи. **Боши(м) тарс ёрилиб** (*ёки* **ажраб**) **кетай деяпти** Боши(м) жуда қаттиқ оғрияпти. *У* [*Акбарали*] *ҳозир боши торс ёрилиб кетадигандек, отилиб йўлакка чиқди.* А. Мухтор, Чинор. **Торс ёрилиб кетгудек бўлди** *ёки* **юраги торс ёрилиб кетай деяпти** Жуда хит, хуноб бўлди, юраги сиқилиб кетди. *Ерга киргудек бўлиб ўтирган Валивойдан ортиқ садо чиқмагач, Жўранинг юраги торс ёрилай деди-да: -Мен кетдим! – деб ўрнидан қўзғалди.* Ҳ. Назир, Онаизор.

ТОРСИЛЛАМОҚ 1 Торс (торс-торс) этган товуш чиқармоқ. *Тошиб бориб торсиллаб Кетаётир отлари.* «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма* Жуда таранглашмоқ, миқти бўлиб семирмоқ. *Лекин-чи, яна бир оз семириш ғамида бўлинг. Эви билан, яна семираман деб торсиллаб кетманг.* «Муштум».

ТОРС-ТОРС: **торс-торс ёрилмоқ** Ҳар ер-ҳар еридан катта-катта ёрилмоқ. *Пахса қуриб, торс-торс ёрилди. Қўлларим совуқдан торс-торс ёрилиб кетди.* ▬ *Қуёшнинг оловли тафтида торс-торс ёрилиб, осмондан томчи тушишида ўз нажотини кутиб турган бу асрий чўлларда ҳеч юрганмисиз?* С. Нуров, Дурдона.

ТОРТ [*итал.* torta < *лот.* tortus – эшилган, эшма; хамирдан тайёрланган юмалоқ маҳсулот] Хамирга ёғ, шакар, тухум каби масаллиқлардан қўшиб тайёрланадиган бежамали қандолат маҳсулоти. *Шоколадли торт.* ▬ *Дастурхонда хонаки печеньелар, атиргул нусха торт ва турли хил мевалар бор эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТОРТИБ 1 Тортмоқ фл. рвдш. *Арқонни таранг тортиб боғламоқ. Юкни тарозида тортиб бермоқ. Енгидан тортиб қўймоқ.* ▬ *Уни чуқурдан Юсуфжон қизиқ тортиб олибди. Мингбоши кайфи сал тарқагач: -Э, Юсуфжон, сенмисан? – дебди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *кўм.* (*ч.к. билан*) Бошлаб, эътиборан. *Шу бугундан тортиб.* ▬ *Оёғимдан тортиб башарамгача қонга бўялдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Халқ дадил боради. Айниқса, хотинлар-оналар жасур. Улар Николайдан тортиб элликбошиларга қадар ҳаммани қарғашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОРТИЛМОҚ 1 Тортмоқ фл. мажҳ н. *Кир ёйиш учун арқон тортилди. Қудуқдан сув тортилди. Деразаларга парда тортилди. Ишга ёшу қари тортилди. Меҳмонларга ош тортилди.* ▬ *Ғуломжоннинг асаб торлари тортилди, аламига алам қўшилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Камайиб, камчил бўлиб қолмоқ. *Сигирнинг сути тортилиб қолди.* ▬ *Суви анча тортилиб қолган кўлнинг шимолий этаги қишлоқ уйларининг ҳовлиларига бориб тақалар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қиз чиқарадиган оналар тугун-тугун иш кўтариб келишарди, бу йил бир оз тортилиб қолди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТОРТИНМОҚ Уялиб, бегонасираб ёки бирор бошқа андиша билан ўзини тортиб, тийиб, одоб сақлаб турмоқ, ийманмоқ. *Тушунмаганларингизни ҳеч тортинмай сўранг.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Содда қишлоқ йигити такаллуфни билмаса ҳам, одоб-таъзим хусусида онаси анча-мунча гапларни уқтириб юборгани учун, давлатманд қариндошининг ҳузурида овқатдан тортинишни маъқул кўрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳақ*

ва адолат пешволари ҳақни риё, риёни ҳақ дейишдан тортинмас эканлар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТОРТИНЧОҚ Бошқалардан уялиб, ийманиб, ўзини тортиб турадиган, шундай ҳис-туйғуси кучли; уятчан. *Тортинчоқ одам.* ▬ *Ёнма-ён пахта тераётиб, у ёқ-бу ёқдан гапиришганларида, қиз унинг ҳақиқатан ҳам тортинчоқ, камсуқум йигит эканини сезди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТОРТИНЧОҚЛИК Тортиниш, уят-андиша ҳис-туйғусига эгалик. *Тортинчоқлик билан гапирмоқ.* ▬ *Садбарга қолса, бу ердаги йигитлар орасида энг ақллиси шу Луқмонча. Фақат тортинчоқлиги бор, дадил эмас.* А. Мухтор, Туғилиш.

ТОРТИШ Тортмоқ фл. ҳар. н. *Ариқ тортиш. Режа тортиш. Жазога тортиш.* ▬ [*Зайнаб:*] *Маҳаллий меҳнаткашлар орасида ғайратли ёшлар кўп, ўртоқ командир. Улардан ҳарбий хизматга кўпроқ тортиш керак.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Саидғози ўтирганларнинг диққатини тортиш учун томоқ қириб йўталди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Тортиш кучи 1) *айн.* **тортишув кучи** *қ.* **тортишув 3**; 2) локомотив, электровоз, машина ва ш.к. нинг ҳаракат томон йўналган кучи. *Паровознинг тортиш кучи.*

ТОРТИШИШ 1 Тортишмоқ фл. ҳар. н.

2 Тортишув, баҳс. *Уларнинг орасида бўладиган тортишишни эшитиб, маза қилиб кулишга ишқивозлар кўп эди.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ТОРТИШМАЧОҚ *этн.* Никоҳ тўйида келин куёвникига келгандан кейин хотинлар келин ва куёв тарафга бўлиниб, бел боғлаб, бир-бирини тортишиш ўйини. *Ялпи шовқин билан «тортишмачоқ» бошланди: қиз томондан гупчакдек юм-юмалоқ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОРТИШМОҚ 1 Тортмоқ фл. бирг. н. *Арқонни тортишмоқ. Ариқ тортишмоқ. Дорбозлар дорни тортишиб бўлишди.* ▬ [*Қизлар*] *«Энди нари ёт, бери ёт» билан бир-бирларини итариб, суриб, кўрпани тўрт томонга тортишиб, жанжаллаша бошладилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. -*Жазосини тортишибди, — деб қўйди Жумагул қувонганидан.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Йиғи кўнгил доғини ювар эмиш.. булар ҳам анча равшан тортишиб, секин-секин гапга кириб кетишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мушакларнинг беихтиёр қисқариши натижасида ҳаракатсиз қотмоқ, бужмаймоқ, акашак бўлмоқ. *Шокир ота оғир хўрсинди, сўнгра бирдан «вой» деб, томири тортишган оёғини уқалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Ўзиникини маъқуллаш учун ҳаракат қилмоқ, талашмоқ, баҳслашмоқ. *Муросага келган бўлди Расулжон: -Ҳозир тортишадиган бўлсак, даҳанаки ихтилоф бошланади ўртада.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Қишлоқда дув-дув гап: правлениеда раис билан Ҳамдам ака тортишиб қолибди: раис янги ер очамиз деса, у қарши чиқибди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

ТОРТИШУВ 1 Тортишмоқ фл. ҳар. н.

2 Баҳс, мунозара. *Қизғин тортишув.* ▬ *Кампирларнинг тортишувидан завқланган Олияхон, кула-кула, уларнинг қўлларидан ушлаб, аввалги қуртхонага бошлаб кирди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Бир масала кўпдан бери тортишувга сабаб бўляпти.* И. Раҳим, Ихлос.

3 *физ.* Зарралар, жисмлар ўртасидаги бир-бирига яқинлашувга бўлган интилиш ҳодисаси; жозиба. *Жисмларнинг тортишуви.*

Тортишув кучи *айн.* **тортишув 3.**

ТОРТИҚ 1 Кимсага туҳфа қилинган нарса; совға, армуғон. *Байрамга муносиб меҳнат тортиқлари.* ▬ *Деҳқонбой, сизнинг тортиғингизни дастурхонга қўяй десам, жой ҳам йўқ.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Мен икки қўлимда икки хил гулни тутиб, унга* [*Ҳабибага*] *тортиқ қилдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Тортилган, тортиб, тутиб қўйилган, тортиқлик. *Парда тортиқ ойналар.*

ТОРТМА 1 *от* Стол, шкаф кабиларнинг сурилма яшиги. [*Жувон*] *Пулларнинг орасидан битта беш сўмликни олиб, қолганларини яна ўраб, тортмага солиб қўйдида, менга қаради.* С. Аҳмад, Таъзим. *Нонуштага асраб қўйган бир бурдагина қотган нонни тумбочка тортмасидан олиб еди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *айн.* **қоринбоғ.**

3 *сфт.* Тортиб чиқариладиган, сурилма. *Тортма полка.*

ТОРТМОҚ 1 Бирор еридан ушлаб, тутиб, ўзига томон сурмоқ ёки суришга

ҳаракат қилмоқ. *Эшикни тортиб очмоқ. Қўлидан тортиб турғизиб қўймоқ.* ▬ *Сидиқжон тутнинг остида отнинг бошини тортиб: -Тут емаймизми? — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Анзират кампир қути ўчиб, ўрнидан турди, Башоратнинг ёнига келиб, унинг бошини кўкрагига тортди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. [*Гавҳар*] *Талъат билан юзма-юз турган Мансурнинг қўлидан ушлаб тортди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бурнидан тортса йиқилгудай *қ.* **бурун. Дорга тортмоқ** Дорга осмоқ. *Олиб келиб, дорга тортиб ўлдириб..* «Юсуф ва Аҳмад». **Йўл тортмоқ** Йўл юрмоқ, йўлда давом этмоқ. *От ўйнатиб йўл тортди. Якка душманнинг йўлига.* «Гулшанбоғ». **Оёғи тортмаслик** Бирор ерга боришга дили рўйхуш бермаслик. *Ўрганмаган ерга боришга оёғим тортмади. Бироқ аям хафа бўлмасин, деб айтолмадим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Оёғидан тортмоқ** Бирор нохуш ишҳолатга жалб этмоқ, дучор қилмоқ. *Нечун бир-бирининг кўзига чўп солур, бир-бирининг оёғидан тортур, вақти келса, бир-бирининг бўғзига панжа урмоқдан тоймас.* С. Сиёев, Аваз. **Оёғини тортмоқ** Бормайдиган, келмайдиган (умуман, қатнамайдиган) бўлмоқ, қадамини узмоқ. *У қамалган кундан бери оёғини тортган, ҳатто кўчиб кетганлар ҳам келди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Орқасига тиркалган, қўшилган ва ш.к. ҳолатдаги нарсани куч билан олға юргизмоқ, юргизиб олиб бормоқ. *..тепловоз сўнгги марта қичқириб, составни тортиб кетди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Ҳўкиз калласини эгиб, омочни тортишга уринар, қўшчи эса ҳадеб қистарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кичкинагина машинасини тортиб юрган бола Муҳиддинни ўзига жалб қилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Аравангни торт *қ.* **арава. Қўшин** (*ёки* **лашкар, аскар**) **тортмоқ**. Қўшин (лашкар, аскар) билан юриш қилмоқ, босиб бормоқ. *Лашкар тортиб юриш қилса, Ўнин кўзлаб, бирин санчар.* «Гулнорпари». *Гўрўғли душманга аскар тортади, Орият йўлида жонин сотади.* «Гулшанбоғ».

3 Ичига куч билан йўналтирмоқ, юритмоқ. *Комига тортмоқ. Қаърига тортмоқ.* ▬ *Нишонов папиросини тутатиб, яхшилаб тортиб олди-да, стол устига энгашди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Муқаддам флакондаги дорини шприцга тортиб олди-да, игнасини юқорига кўтарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Бирор нуқта (жой)дан бошқаси оралиғига ўтказмоқ, юритмоқ. *Зулфиқор, бобонинг қўлидан тешани олиб,* [*қозиқни*] *яна ҳам мустаҳкамлади-да, Меъморга қараб: -Энди устига мих қоқиб, каноп тортаверсак бўладими? — деб сўради.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бир неча кун илгари алоқачилар сим тортиб юриб, Давронни учратишган эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

5 Атрофидан таранг қилиб ўтказмоқ, боғламоқ. *Ҳотам эса отининг айил-пуштанини қайтадан тортди..* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Қаршисида кўкрагидан қайиш тортган, қизил шапка кийган милиционер турибди.* «Гулдаста».

6 Бирор нарсани, унинг сиртини, очиқ жойни тўсмоқ, беркитмоқ. *Бетига ниқоб тортмоқ.* ▬ *Бир томонда дорбозлар дор тикади, қўғирчоқбозлар чодирхаёл пардасини тортадилар.* С. Сиёев, Аваз. *Ҳалиги хотин қисилганданми, уялганданми, бошидаги оқ дока рўмолини юзига тортиб, «қўя бер» дегандай қилиб, бошини силкитди.* Ойдин, Фонарь тагида.

7 Ўзига қаратмоқ, мойил қилмоқ, жалб этмоқ. *Диққатни ўзига тортмоқ.* ▬ *Қуёш, тоза ҳаво, кенг, тиниқ зангори осмон кўзларни беихтиёр тортади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўлқинжон.. шу кунгача Ҳурини сира қизиқтирмаган эди. Гарчи Тўлқинжон чиройли бўлса ҳам, қизни ўзига тортмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Олиб кирилган чой ҳам совиб қолар, аллақандай ўлчовлар — учбурчаклар хаёлини тортиб кетарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

8 Бирор ишга аралаштирмоқ, қотиштирмоқ, жалб этмоқ. *Ишга тортмоқ. Ўқишга тортмоқ.* ▬ *Шаҳидбек мулла Абдураҳмонни сўзга тортди: -Нима лавозиматдалар, тақсирим?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *«Бундай қиламан, — лабини қимирлатиб, ўзўзига шивирлади Йўлчи, — аввал шундай одамларни тортаманки, ўзимга қандай ишонсам, уларнинг дилига шундай ишонган бўлай».* Ойбек, Танланган асарлар. *..улар орасидан бизни қўллаб-қувватлайман, деганларини хизматга тортинг.* К. Яшин, Ҳамза.

9 Ўзини, кимса ёки нарсани бирор жойга, ҳолатга олмоқ. *Бундан ўзини торт-*

моқ. Дўстини четга тортмоқ. ▬ *Матпанонинг биқинида турган қаландар унга бошдан-оёқ разм солди, ўзини сал четга тортди.* С. Сиёев, Аваз. *Кичик офицер ҳам, солдатлар ҳам улардан ўзларини тортишди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Бир куни кечқурун, ётар маҳалда аямни четга тортиб шивирладим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Бош тортмоқ *қ.* **бош.** *Армани уста қора мармар лавҳадаги сўзларни ўчириб, қайта ёзишдан кескин бош тортди.* Н. Аминов, Суварак. **Тап тортмаслик** Қўрқмаслик ва чекинмаслик. *Ҳар қандай мушкулдан тап тортмай, тикка қарши борадиган ўтюрак кўринади.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Юсуф қизиққа ниҳоят даражада қаттиқ ботганидан, сира тап тортмай, бойни савалай кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

10 Айрим сўзлар билан қўлланганда, «урмоқ» маъносини билдиради. *Тиғ тортмоқ. Тарсаки тортмоқ.* ▬ [*Дадам*] *Олдимга келдилар-у, шапалоқ билан тортиб юбордилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Отлиқ бор кучи билан деҳқоннинг юз-кўзи аралаш қамчи тортиб юборди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

11 Улашмоқ, тарқатмоқ, қўймоқ (меҳмонларга овқат). *Меҳмонларга ош тортмоқ. Патнис тортмоқ.* ▬ *Норинни тортиб бўлгандан кейин Аноргул ҳамма товоқ-қошиқларни тоза қилиб ювиб олди.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Таомнинг устидан қизлар тортади Бекларга опкелиб қовурма гўштни.* «Алпомиш».

12 Тарозида оғирлигини ўлчамоқ. *Қовунни тортиб кўрмоқ.* ▬ *Тортиб берганда, ўзинглар қараб турганмидинглар? Нима энди кам деб, бетингларни юласизлар?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир ойдан кейин қўйни тортиб кўраман, қўй семирмаслиги керак (дебди хон).* «Чалпак ёққан кун».

13 Чизмоқ, чизиқ шаклида из солмоқ; қазимоқ. *Чизиқ тортмоқ. Режа тортмоқ. Жўяк тортмоқ.* ▬ *Меъмор ўз чодири ёнида елкасига пешматини солиб.. китоб ўқир, тош бостириб қўйган яхлит қоғозни олиб, чизиқлар тортар, хаёл сурар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Тоға ваъдасида туриб, каналдан ариқ тортиб келишга одам юбормаса, ишимиз чатоқ бўлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

14 Тегирмонда донни унга айлантирмоқ. *Ун тортмоқ.* ▬ *Тегирмончи: -Эртага келинг, афанди, буғдойингизни тортиб қўяман, — дебди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

15 Камайтирмоқ, озайтирмоқ; чеклаб қўймоқ. *Пулдан бир оз тортиб қўймоқ.* ▬- *Мол дегани иймаса, танаси яйрамайди, Танаси яйрамаса, сутини тортади, — деди Адол хола.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

16 Ўзига сингдирмоқ, шиммоқ. *Чуқур сувни тортиб кетибди. Гуруч сувини тортибди.*

17 *физ.* Зарралар, жисмлар ўртасидаги жозиба кучи туфайли ўз томонига сурмоқ. *Магнит темирни тортади.*

18 Биологик, жисмоний тузилиш ёки маънавий жиҳатдан туққанларига, туғишганларига ўхшамоқ. *Қазисан, қартасан — ахир аслингга тортасан.* Мақол. ▬ *Сен кимга тортдинг-а? Ота-онамиз қўйдан ҳам ювош одамлар эди-ку!* Ё. Хаимов, М. Раҳмонов, Ҳаёт-мамот. *-Бунингиз шаҳзодаларга муносиб, — деди Ойша хола секингина Санам отинга ўгирилиб. - Онасига тортди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Отангга тортиб, хотин кишини хўрласанг агар, сенга берган оқ сутим ҳаром бўлади, ўғлим, билиб қўй шуни!* С. Анорбоев, Меҳр.

19 Бошдан кечирмоқ, чекмоқ; ҳис қилмоқ, сезмоқ. *Азоб тортмоқ. Ташвиш тортмоқ. Дард тортмоқ. Хижолат тортмоқ.* ▬ [*Валихўжа тутақиб:*] *Участкани сен қил-у, жабрини мен тортайми?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Рўзғордан шундай танглик тортдикки, гапирсам, балки ишонмайсиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

20 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган ҳолат-вазиятни эгалламоқ маъносини билдиради. *Ингичка тортмоқ. Йўғон тортмоқ. Бақувват тортмоқ.* ▬ *Қурбон ота анча дадил тортди.* С. Нуров, Нарвон. *Момақалдироқ гулдураб, у ҳушёр тортди.* «Ёшлик». *Дарҳақиқат, куз ҳавоси мусаффо бўлиб, сумбула суви тиниқ тортади.* Газетадан.

21 «Кўнгил», «дил» каби сўзлар билан қўлланиб, ихтиёр этмоқ, хоҳламоқ маъносини билдиради. *Йўлдан ўтаётиб, кўнглим тортиб, бир кўрай дедим сизни.* С. Нуров, Нарвон.

Паноҳ тортмоқ *қ.* **паноҳ.** *Сизни паноҳ тортиб келдик, устод. Мақсад — мана шу ўғлимни шогирдликка қабул қилсангиз..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОРТ-ТОРТ *с.т.* **1** Талаб, тортқилаб, юлиб-юлқиб олиб кетиш; талон-торож. *Усталар келмаганлигидан кўприк қурилиши қолиб кетди. Ёғоч-тахталарни эса кимлар торт-торт қилиб олиб кетгани номаълум.* «Муштум».

2 Кўп ичиш, ичкиликбозлик. *Бир куни роса торт-торт бўлган экан, эртасига бошим худди ари қамалиб қолган томошақовоққа ўхшаб ғувулларди.* «Муштум».

ТОРТУВЧАН *кт.* Кишини ўзига тортадиган, диққат-эътиборни жалб этадиган; қизиқарли. *Кўргазма материаллари тортувчан бўлиши керак.*

ТОРТҚИЛАМОҚ 1 Ҳадеб тортавермоқ; тартибсиз равишда ҳар томонга тортмоқ, тортиб-тортиб қўймоқ, ҳар томонга тортиб тўзғитмоқ. *Этагидан тортқиламоқ.* ▬ *Исфандиёр Авазнинг ёқасидан тортқилаб, ҳамон бақирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хотин бир қўллаб унинг билагидан тортқилар, иккинчи қўли билан юзига сув сепарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Талаб, ҳар томонга тортиб олиб кетмоқ, ўзиники қилиш учун ҳаракат қилмоқ. *Адолат қопчиғини очди. Унда ангишвонадан тортиб ип, ипакларгача бор эди. Қизлар ўз буюмларини таниб, уни бир бошдан тортқилай бошладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Нафс балосига учраган айрим шофёрлар кондукторлар билан.. тушган пуллардан тортқилаш билан овора.* «Муштум». *Шу камбағал қариндошни тортқиламасдан тинч қўйинглар. Умид билан шу ерда юрипти, шу ерда қолсин у.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОРТҚИЧЛАМОҚ *шв.* **тортқиламоқ.** *Баҳор қиши билан қандайдир димиқиб, юраги сиқилиб ётган-у, мана энди, ўз майлига қўйилганидан хурсанддек, боғ-роғларда қувнайди.. гоҳ қизларнинг дурраларини тортқичлаб ўйнайди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТОРФ [*нем.* Torf] Тўқайзор, ботқоқлик ерлардаги ўсимлик қолдиқларининг табиий чиришидан ҳосил бўлган зич масса; фойдали қазилма (ёқилғи, ўғит, хомашё сифатида ишлатилади). *Торф қазиб олиш.*

ТОРФЛИ Торф кўп бўлган. *Торфли ботқоқ.*

ТОРШЕР [*фр.* torchere < torche – машъал(а)] Тик тагликка баланд қилиб ўрнатилиб, полга қўйиладиган тунчироқ.

ТОРҒОҚ Балиқчилар туркумига мансуб, боши ва думи қора, тумшуғи узун қуш.

ТОС I [*ф.* طاس – ичи чуқур лаган, тоғора, жом] Асосан, кир ювиш, ювиниш учун ишлатиладиган катта металл идиш. *Тунука тос.* ▬ *Ҳовлилардан тосларнинг жаранг-журунглари эшитила берди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Афанди бир куни ҳаммомга тушган эди, ҳаммомчи назарга илмай, эски тос, йиртиқ лунги берди.* «Латифалар».

Тос суяги *анат.* Сон суякларига таянган ва умуртқа суягини тутиб турадиган, белдан паст камар суяги. **Эски тос, эски ҳаммом** *қ.* **эски.**

ТОС II Бирга ўтирган кишилар гуруҳи. *Шу чоқда мулла Обидларнинг тослари кетишга қўзғаладилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТОС III *шв.* Парча, кимхоб. *Тос тўн.* ▬ *Қават-қават шойи кўйлакларим, духоба камзулим.. тос қалпоғим, зардўзи пешонабандим ҳам бор.* С. Айний, Қуллар.

ТОС IV *с. т.* Тоз.

ТОСТ [*ингл.* toast < *лот.* panis tostus – қовуриб қизартирилган нон (Англияда тост айтувчининг олдига стакан ва шундай нон бўлаги қўйилган)] Қадаҳларга қуйилган ичкилик ва уни кўтариш олдидан кимса номига ёки бирор нарса шарафига яхши тилаклар билдириб айтиладиган қисқача сўз, нутқ. *Биринчи тост. Тост айтмоқ.* ▬ *Ўктам хушкайф бўлиб, кетма-кет тост кўтарди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Оқ мусалласни Ё май чаросни Кўтарар дўстлар, Айтишар тостлар.* М. Шайхзода.

ТОТ 1 Таъм, маза, лаззат. *Қимизнинг тоти. Тотини кўрмоқ. Мақтанчоқнинг моти чиқар, Жом қозоннинг тоти чиқар.* Мақол. ▬ *Шул сабабдан тақдир аталди Илк бўсанинг иккинчи оти. Шул сабабдан умрбод қолди Лабда ўшал бўсанинг тоти.* Уйғун.

ТОТАЛ [*лот.* totalis – тўла, тўлиқ, бутун] Беистисно барчага баравар тааллуқли, ялпи, умумий. *Тотал уруш.*

ТОТАЛИТАР [*фр.* totalitaire < *лот.* totalis – тўла, тўлиқ, бутун] *сиёс.* Зўравонлик билан характерланадиган, демократик озодлик ва шахс эркинлигини чеклаш ёки йўқотишга қаратилган. *Тоталитар давлат. Тоталитар тузум.*

ТОТАЛИТАРИЗМ [*фр.* totalitarisme < *лот.* totalis – тўла, тўлиқ, бутун] *сиёс.* Давлат

бошқаруви шаклларидан бири: жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлатнинг ялпи (тотал) назорат ўрнатиши, конституцион ҳуқуқ ва эркинликларнинг йўқотилиши, бир шахс ёки ижтимоий гуруҳ (сиёсий партия)нинг яккаҳокимлиги, мухолифларга нисбатан қатағон уюштирилиши билан характерланади.

ТОТЕМ [*ингл.* totem < *индейсча* ототем – «унинг насли, уруғи» маъносидаги сўз] *этн.* Ибтидоий уруғ, қабилаларда диний ҳурмат-эҳтиром объекти бўлган, яъни илоҳийлаштирилган ҳайвон, ўсимлик, бирор нарса-буюм ёки табиат ҳодисаси (ҳар бир уруғ, қабила ўз тотеми номи билан аталган).

ТОТЕМИЗМ [*ингл.* totemism] *этн.* Илк уруғчилик тузумидаги дин, эътиқод шакли; маълум бир уруғнинг уруғ асосчиси ва ҳомийси деб ҳисобланган бирон-бир тотем билан ғайритабиийи алоқасига ва қон-қариндошлигига ишонч билан характерланади.

ТОТИМ *бот.* Пистадошлар оиласига мансуб, тоғ ёнбағирларида ўсадиган, шода-шода майда гулли дарахт ёки бута (баргларида бўёқ ва ошловчи моддалар кўп бўлади).

ТОТИМЛИ Мазаси яхши, ширин. *Муҳаббатли, тотимли бўлди турмуш, Келиб шодлик, фароҳлик, кетди ташвиш.* Ҳабибий.

ТОТИНМОҚ 1 Овқатдан озгина емоқ, ичмоқ; андак овқатланиб, еб, ичиб олмоқ. *Овқатдан тотинган бўлди-ю, емади. Ортиқча гап ҳам гапирмади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Зумрад кўнгли ғаш, дилгир ўтирарди. Иштаҳасизгина ундан-бундан тотинган бўлди.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Мазасини тотиб кўрмоқ, тотмоқ.

ТОТЛИ 1 Таъми, мазаси яхши; мазали, лаззатли, ширин. *Тотли овқат. Молинг зотли бўлса, емишинг тотли бўлар.* Мақол. ▬ *Шавла жуда тотли туюлди — ошпазни мақтадилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Суяк солинган суюқ овқатлар қанча узоқ ва милтиратиб қайнатилса, таъми шунча тотли бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *кўчма* Лаззат бағишловчи, ширин, нашъали. *Тотли хаёллар. Тотли онлар.* ▬ *Бегимхоннинг кўз олдида харита эмас, Эрали жонланди. Қандай тотли эди уларнинг турмуши.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Дили потирлаб, миясида бири биридан тотли ўйлар чарх уради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТОТМОҚ 1 Бир оз еб, ичиб, мазасини кўрмоқ. *[Набигул Қодирга:] Мусаллас сузгандан кейин, қандоқ қилиб сабринг чидайди, тотиб ҳам кўрасан-да.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Умуман, емоқ, ичмоқ. *Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал тотганинг.* Мақол. ▬ [*Гулнор*] *Эрталабки чойдан буён уйда икки марта овқат тайёрланган бўлса ҳам, ҳеч нима тотмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Туз тотмаслик Ҳеч нарса емаслик, ичмаслик. *Ҳотам нонуштадан бери ҳали туз тотгани йўқ.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Уф.. итдек чарчадим. Кечадан бери туз тотганим йўқ.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Кундузлари катта уйга кириб олиб, кўкрагини захга бериб ётар, кечгача туз тотмай ўй сурар, лекин ўйининг тагига етолмас эди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 *кўчма* Бошдан кечириб, лаззатини, таъмини кўрмоқ, синамоқ. *Аччиқ билан чучукни тотган билур, Узоқ билан яқинни юрган билур.* Мақол. ▬ *Бу ердагиларнинг кўпи Собир Умаров қиличининг тиғини тотиб кўрган.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қуллик азобини тотган-у, аммо У шамол бўлганин унутолмаган.* Х. Даврон, Қақнус.

ТОТУВ Ўзаро дўстона муносабатли, иттифоқ, иноқ, аҳил. *Тотув оила. Тотув болалар. Тотув бўлмоқ.* ▬ *Отам ўлгандан кейин Фуод афанди мени ўз ҳужрасига кўчириб тушди. Никоҳ қилмай, бир йилдан ортиқ тотув яшадик.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ТОТУВЛАШМОҚ Бир-бири билан тотув, аҳил бўлмоқ, аҳиллашмоқ, иноқлашмоқ. *Янги ўқувчилар тезда тотувлашиб олишди.* ▬ *Баъзан Жанна билан Умид тотувлашиб ҳам қолишарди, бундай пайтларда Жанна бир қадар ўз таъсирини эрига ўтказарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ёмонлик ўшанинг* [*Мусулмонқулнинг*] *боши билан бирга кетгандек, қипчоқ оғайнилар ила тотувлашдик, қипчоқнинг эски адоватлари битди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТОТУВЛИК Тотув муносабат, тотув муносабатли ҳолат. *Соли отанинг.. уйида энди тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурарди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *Ўрталаридаги тотувликка ҳавасингиз келади — худди бир оила фарзандларидай, барака топкурлар.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Жанглар*

эмас, урушлар эмас, ғараз эмас, тотувлик керак, Зулмат эмас, ёғдулик керак. М. Шайхзода.

ТОТУВЧИЛИК *с.т. айн.* **тотувлик.** *Масалани тотувчилик билан ҳал этмоқ.*

ТОШ I **1** Яхлит масса ёки бўлак-бўлак ҳолда учрайдиган, сув кор қилмайдиган, қаттиқ, мўрт тоғ жинсларининг умумий номи. *Оқ тош. Оҳак тош. Мармар тош. Чақмоқ тош. Харсанг тош. Қайроқ тош. Йўлга тош ётқизмоқ. Тоғнинг кўрки — тош билан, Одамнинг кўрки — бош билан.* Мақол. *Сув кетару тош қолар — ўсма кетар, қош қолар.* Мақол. ▬ *Сувонжон тош териб, иннинг оғзини тўлдирди. Устидан тупроқ босиб, кетмон билан яхшилаб шиббалади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ёшлик чоғимда мен бир ҳикоя эшитган эдим: Хон бир бегуноҳ одамни ғазабига олиб, тошбўрон қилдирибди, «Тош отмаган одам қолмасин», деб ўзи тепасида турибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бағри (*ёки* **қалби, юраги) тош** Ўта бемеҳр, ачиниш, куйиниш ҳис-туйғуси йўқ. *Ҳаёсиз инсон бағри тош бўлади..* «Муштум». *Заъфарон бўлди юзлар.. Хонлар қалби тош бўлган.* Ё. Мирзо. **Боши тошдан** Ўта чидамбардошли. *Бандасининг боши тошдан, ҳа, у ҳаммасига чидайди — мажбур-да.* Э. Аъзамов, Жавоб. **Бошида тош** (*ёки* **данак, ёнғоқ) чақмоқ** *қ.* **бош**. -*Офарин! — кинояли товуш билан қичқирди Аҳмад Ҳусайн. — Кишининг бошида тош чақиб, яна шафқат ҳақида сўз сотишга нақадар моҳирсиз!* Ойбек, Нур қидириб. **Бошинг тошдан бўлсин** Чидамбардошли бўлиш, ўлим-йитим билмаслик ҳақидаги истак, дуони билдиради. -*Ҳаммалари бирам сипо, бирам салобатли одамлар экан.. ҳай, ишқилиб бошларинг тошдан бўлсин, қўша қаринглар! — дедилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тош қотмоқ** 1) ҳис-сезгисиз ҳолатда бўлмоқ. *Аёлнинг тош қотган кўзларини қайғу тешди. Юзларидан томчилар юмалади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кўзларини рўпарадаги гужумнинг яшил бутоқларига тикиб, чуқур, қизил ёпқичли курсида тош қотган.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) қаттиқ уйқуга кетмоқ. *Тош қотганча туш кўрмиш, Тушда қизиқ «иш» кўрмиш.* «Муштум». **Тошингни тер** Ишингни қил; юришингни қил; жўнаб қол.

2 Шундай тоғ жинсларининг зийнат буюмлари ясаш ёки уларни безатиш учун ишлатиладиган навларининг умумий номи. *Қабр тоши. Мармар тош. Олтин, кумуш — тош эмиш; арпа, буғдой — ош эмиш.* Мақол. ▬ [*Доронинг*] *Қўлидаги узун асо дастасига қадалган қимматбаҳо тошлар қоронғи кечадаги юлдузлардек порлар эди.* М. Осим, Широқ. [*Олимхон*] *Бармоқларига тоши йирик узуклар тақади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ён томондаги тошга.. «Маърифатхон, жаннат макон» деб ёзилган ва ҳижрий билан 1335 деб тарих қўйилган эди,* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

3 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган нарсанинг тош каби ёғилувчи (отилувчи) нарса сифатида билдиради. *Улар Абдурасул устига лаънат тошини ёғдириб, унинг шаънига ёлғонларни тўқир эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Ниятингиз тезроқ мендан қутулиш, ортиқчалик қилаётганимни сезиб турибман, — деб таъна тоши отганиотган.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

4 *кўчма* Жуда қаттиқ; тошдек (қаттиқ). *[Кампир:] Ҳаҳ, шумтакалар, оғизларингда эриб кетадиган сузма қурутни берсам, олмайсизлар, шу тош қурутни талашасизлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Нарсаларнинг вазнини ўлчаш, тортиш учун белгиланган, турли шакл ва оғирликдаги юк, қадоқ тош. *Тарози палласига тош қўймоқ. Бир килоли тош.* ▬ *Шарофат.. бу кеча шу ерда қолиб, Сидиқжонни бу ерга боғлаган, унинг димоғини шиширган нарсани яхшилаб билмоқчи ва шунга қараб тош қўймоқчи бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Оғирлик, вазн. *Олинган мол тошидан кам келди.* ▬ *Шу шанбадан қолдирмай тўйни бошлайлик; семиз қўй, ётсираб, яна икки кун овқат емаса, тошини йўқотади, озиб қолади..* С. Абдулла, Соялар.

Тош босмоқ 1) маълум (мўлжалдаги) оғирликка эга ёки эга эмасликни билдиради. -*Ҳали сиз айтганингиздек, — деди Олияхон, — пилласи ҳам тош босмайди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова; 2) салмоқ-салобатга эга бўлмоқ. *Келинг, сўзларингизни тарозига солайлик, пучми ёки тош босадими, дарров маълум бўлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 *тиб.* Касаллик туфайли баъзи аъзоларда юзага келадиган қаттиқ модда. *Буйрак тоши. Тошни олдирмоқ.*

8 Тош (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ТОШ II *тар.* Саккиз чақиримга яқин (тахминан 6 километр) узунлик ўлчов бирлиги. *Бир тош йўл. Аҳмоққа Қува [Тўйтепа] бир тош.* Мақол. ▬ *Кун оғиб бормоқда. Ярим тошдан мўлроқ йўл юрилди ҳамки, бекат кўринмайди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Косонда икки хумдон бор.. бу ер билан хумдонлар ораси уч тош келиб қолади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОШБАҚА Танаси косасимон қаттиқ, суяк-мугуз қобиқ билан ўралган судралувчи ҳайвон. *Чўл тошбақаси. Денгиз тошбақаси. Тошбақа косаси. Тошбақадай судралмоқ.* ▬ *Овчи ноумид бўлиб, тузоқни олиб кетмоқчи бўлган экан, тошбақани кўриб қолиб, хуржунга солибди.* «Чалпак ёққан кун».

Тошбақа қадам Жуда секин, имиллаб, судралиб юрадиган; орқада қолган. *Гал ғўза парваришида судралаётган «тошбақа қадам» раҳбарларга келди.* Газетадан.

ТОШБАҒИР Ачиниш, куйиниш ҳистуйғуси йўқ; бағритош. *..айни баҳор пайтида тоғдаги ноёб қуш ва ҳайвонлар тухум қўйган ёки болалаган бўлади. Аммо милтиқ тутган тошбағир кишиларнинг бу билан иши йўқ.* Н. Раҳматов, Бетайин овчилар. *-Ким айтди сизга мени тошбағир деб, — кампир арқонга ёпишди.* Газетадан.

ТОШБАҒИРЛИК Тошбағирга хос белги-хусусият, хатти-ҳаракат. *Бирида инсонийлик, олийжаноблик, камтаринлик рамзини, иккинчисида эса ҳаёсизлик.. тошбағирлик ифодасини кўрди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ТОШБОШ Дарёларнинг тубида яшайдиган майда балиқ.

ТОШБЎРОН [тош + *ф.* باران — ёмғир] **1** Кўчиб, бир-бирини суриб думалатиб, шиддат билан тушаётган тошлар оқими. *Шу пайт тоғ чўққисидан катта бир тош юмалади ва йўлидаги бошқа тошларни қўпориб, даҳшатли тошбўрон бошланди.* С. Айний, Дохунда.

2 *тар.* Қадимда айбдор деб ҳисобланган кишини кўкрагигача ерга кўмиб, ҳар ёқдан тош отиб қатл қилиш усули; умуман, ҳар томондан тош ёғдириб жазолаш, уриш. *-Муфти жаноблари, қора халқ уни тошбўрон қилдиришга қўймас.. Бадарға қилмоқ керак, бадарға! — деди қозикалон.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ўлган, ярадор бўлганларга қарамай, қўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, «тошбўрон»ни кучайтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОШДАЙ, -дек 1 Худди тош каби. *Чўнтаги ҳам мактаб боласининг сумкасидай бор экан чоғи, носқовоқ қудуққа тушган тошдай кўринмай қолди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Жуда қаттиқ, тош каби қаттиқ. *Гўрков кетмон урса, ер нақ тошдай, кетмон юзини қайирибди..* Ойбек, Танланган асарлар.

Тошдай қотмоқ *айн.* **тош қотмоқ** *қ.* **тош** I. *Ўқиб битиргач, у* [*қутидор*] *даҳшат ва тааажжуб ичида тошдай қотиб қолган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТОШЗОР *кам қўлл.* Тошлоқ ер, тошлоқ. *Тошзорлар экин майдонига айлантирилди.* ▬ *Улар.. чегара участкасидан тоғ, тошзор жойдан ўтишди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТОШКЕСАР Тош кесувчи, тош йўнувчи; тоштарош, сангтарош. [*Раъно*] *Эсанкираб қолган дадасини тинчитди: -Худди мен қидирган манзаралар шу ерда экан: тоғ, дарё, тошкесарлар!* А. Мухтор, Чинор.

ТОШКЎМИР Ўсимликлар органик қолдиқларининг парчаланиши ва б. сабаблар билан юзага келган қаттиқ қазилма ёқилғи. *Оҳангарон тошкўмири. Тошкўмир ҳавзаси. Тошкўмир ёқмоқ.* ▬ *Қизилқия, Шўроб тошкўмир конлари сабаб бўлиб, ўнлаб рус, ўзбек, татар бойларининг довруғи бутун Туркистонга тарқалди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТОШЛИ I **1** Таркибида, ичида тош бўлган. *Тошли тупроқ. Тошли ер.*

2 Тузилишида қимматли тош бўлган. *Ўн беш тошли соат.*

ТОШЛИ II Тош узунлигидаги, ..тош келадиган. *Беш тошли йўл.*

ТОШЛОҚ Тош босган, сертош ер; тошзор. *Машина сойдаги тошлоқдан ўзига йўл очиб кета бошлади.* Газетадан. *Мош қурғур, билмадим, қайси тошлоқда битган эканки, ҳадеганда очила бермади.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Кузда дарё дафъатан саёз тортиб, ўзаннинг тошлоқ жойларида ўткир қояларни яланғочлаб кетади.* А. Мухтор, Чинор.

ТОШМА Ташқи таъсир (иссиқ, совуқ, ишқор, кислота) ёки ички сабаблар (касаллик, модда алмашинувининг бузилиши ва б.) натижасида баданда, шиллиқ пардаларда пайдо бўладиган хол-хол доғлар, пуфакчалар, чиқиқлар. *Терлама тошмаси. Қизамиқ тошмаси.* ▬ *Пенициллиндан би-*

лар-билмас фойдаланиш натижасида терида ҳар хил тошмалар, шиш пайдо бўлади. Газетадан.

ТОШМАЛИ Баданда тошма пайдо қиладиган. *Тошмали терлама.*

ТОШ-МЕТИН Жуда ҳам қаттиқ, метиндай қаттиқ; метин, заранг. *Тош-метин ер.* ▬ [*Шербек:*] *Ишкомларнинг орасига дори септириб, тракторда ҳайдатмоқчиман. Ўзиям тош-метин бўлиб кетган экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТОШМОҚ 1 Қирғоқдан ошмоқ, қирғоқдан ошиб, атрофга ёйилмоқ, атрофни босмоқ. *Ҳовлига сув тошиб кетибди.* ▬ *Ер ислоҳотидан кейин бир йил дарё тошиб, экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳовли ўртасидаги водопровод жўмрагидан сув шариллаб оқиб ётар, цемент ҳовузча тўлиб чиқиб, арикча четидаги барқ уриб ётган ўсмаларга тошиб кетганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ўз қобиғи, идиш ва ш.к. дан тўлиб, ортиб, сиртга чиқмоқ. *Олияхон ташқари эшикдан ҳовлига кириши билан дарҳол қозонда тошаётган сутга кўзи тушди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Олов четига қўйилган қора қумғон шақиллаб қайнаб тошди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Вали ака етилган, у ер-бу ерда чаноқлардан тошиб чиқиб тўкилган оппоқ пахталарга шукроналик билан қараб.. қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..тоғорадан тошиб чиққан хамир сингари тиззаларига оқиб тушган каттакон қорни..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Жўш урмоқ, ошиб кетмоқ. *Ғазаби тошди.* ▬ *Тўламат полвоннинг кўзлари чақнаб, ғайрати тошиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Севинчим тошарди қалбимга тўлиб..* Ё. Мирзо.

Ошиб тошмоқ *айн.* **тўлиб тошмоқ.** *Гулнор уйни йиғиштирар экан: «Бойнинг феъли яхшиланибди, илгари зиқна эди.. Бойлиги ошиб тошиб кетди, дерди дадам..» деб ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тўлиб тошмоқ** 1) лиммо-лим тўлиб, қирғоғидан ошмоқ, ҳудудига, чегарасига сиғмай қолмоқ. *Ҳасратла тўлиб тошган Уларнинг синиқ жоми.* Ғайратий. 2) дард, алам ва ш.к. ни ичига ютавериб, чидаб, сўнг даражага етмоқ. *Ўрмонжон хўп ҳам тўлиб тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) жуда кўп бўлмоқ, тиқилиб, ачиб-бижиб ётмоқ. *Қўлёзмада хатолар тўлиб-тошиб ётибди.* **Юраги (***ёки* **ичи) тошди** Жуда зерикди, юраги сиқилди, хит бўлди. *Тожибой таажжубда қолиб, бошини ликиллатди: -Бир ўзингиз-а? Ёпирай! Миянгиз ачиб, юрагингиз тошиб кетмайдими?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Менинг имиллаганимни кўриб, болаларнинг ичи тошиб кетди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. **Қайнаб тошмоқ** *айн.* **тўлиб тошмоқ 1**. *Жапақнинг миясида саволлар қайнаб тошди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

4 *кўчма* Тутақишмоқ, қизишмоқ. *Эримдан ўқишга розилик беришини илтимос қилдим. Ўша пайтда Эргаш акамнинг тепа сочи тик бўлиб.. бирпасда кўпириб тошди-кетди.* Б. Файзиев, Ойдин кечада.

5 Баданда пайдо бўлмоқ, юзага тепмоқ, чиқмоқ. *Боланинг баданига қизамиқ тошибди.* ▬ *Лабларига тошган учуқ ҳали ростмана қайтмаган бўлса-да, иситмаси пасайган эди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Нарига тарафда ўтирган бир семиз кишининг рангида қон қолмади, оппоқ оқариб, юзларига тер тошиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор.

Лабига учуқ тошмоқ Ўта даражада қўрқувга тушмоқ (бундай ҳолларда гўё лабга учуқ тошади). *Барги зубтурумдай титрашиб, лабига учуқлар тошиб, миршабнинг каттаси отидан тушиб, қиличини яланғочлаб, момонинг қошига борди.* «Гулихиромон». *«Пахта териш машинаси» деса, лабига учун тошадиган баъзи қайсарлар ҳам ҳайрат бармоғини тишлаб қолди.* «Муштум».

ТОШ-ТАРОЗИ, тошу тарози 1 Тарози ва унинг тошлари. *Сотувчиларга тош-тарози бермоқ.*

2 Тош, тарози билан ўлчаш; ўлчов. *Қув, эпчил, дағдағали аллофлар қўллари, оғизлари, кўзлари билан ишлаб, тош-тарозидан уриб, бева-бечорани овлайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарози Ҳамма ернинг ўзига яраша ўлчови, ҳисоб-китоби бўлишини қайд этувчи мақол.

ТОШТАРОШ *айн.* **сангтарош.** *Қорақоя деганича бор. Қоя кўмирдек қоп-қора, олд томони моҳир тоштарошнинг қўлидан чиққандек силлиқ.* С. Норбоев, Укки.

ТОШТАРОШЛИК *айн.* **сангтарошлик.**

ТОШҚИН 1 *от* Қор ва музликларнинг шиддатли эриши, ёғиннинг кўп бўлиши, табиий ва сунъий тўғон ва дамбаларни сув вайрон қилиши ва б. сабаблар туфайли дарё, сой, кўл сувларининг қирғоқдан ошиб, соҳил, ерларни босуви. *Баҳорги тошқин. Тошқин сувлари. Тошқин хавфи.* ▬ *Унинг доклади ва музокарага тайёрланган чолларнинг сўзларидан тошқин манзараси, бу офатнинг бутун оқибатлари ҳамманинг кўз олдида гавдаланди-қолди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 *сфт.* Жўш урган, пишқирган, жўшқин. *Тошқин дарё.*

3 *кўчма* Ғайрати ичига сиғмайдиган, ўтюрак, қайноқ. *Тошқин йигит. Тошқин қалб.* ▬ *-Баракалла, отангизга раҳмат! — деди Қудрат қувониб. Кейин тошқин бир меҳр билан сўради: -Қишлоққа қачон қайтасиз?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Тошқин (эркаклар исми).

ТОШҚОВОҚ Овқатга ишлатилмайдиган, қобиғидан турли идишлар қилинадиган майда қовоқ.

ТОШҚОРА *айн.* **тасқара 1.**

ТОҚ I [*а.* طاق — қават, қатлам; марта, гал] **1** Иккига бўлинмайдиган, жуфт бўлмаган (бутун сонлар ҳақида.); жуфтлаб санашда охири жуфт чиқмайдиган, бир дона ортиб қоладиган. *Тоқ сон. Ёнғоқ тоқ чиқди. Жуфтми-тоқ ўйнамоқ.* ▬ *Юпун дастурхондаги тоқ нонлар яқинда бу уйдан ўлик чиққанини кўрсатарди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Жуфти, шериги, тоқаси бўлмаган; жуфтсиз, ёлғиз. *Совға деган тоқ бўлмайди.* ▬ *Кейинги йили Бозорнинг деҳқончилик ишлари бурунгидай авж олмади, чунки ҳўкизи тоқ, ўзи ёлғиз.* С. Айний, Дохунда.

3 Хотинсиз ёки эрсиз. *Дунёдан тоқ ўтмоқ.* ▬ *Ижозат беринг, бир жононни ўзим топаман, шунча давлат билан тоқ ўтирасизми!* Ойбек, Улуғ йўл.

ТОҚ II [*а.* طاق — гумбаз, қубба; арка] *архит.* **1** Эшик ва биноларнинг тепасидаги ярим доира шаклида ишланган қисми; арка. *Тимга кираверишдаги тоқнинг икки томонида шойи чопон кийган, симобий салла ўраган саррофлар олдиларидаги баркашга тангаларни уйиб ўтирар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

2 *айн.* **гумбаз.** *Сирли осмон тоқига илк Қўйди нарвон ўзбегим.* Э. Воҳидов, [*Навоий:*] *Гулимнинг қабрига эккан чечаклар, Очилгандур бу чоқ.. оҳим чечаклар Каби кўк тоқига чирмашмасинму?!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ТОҚ III: **тоқати тоқ бўлмоқ** Ортиқ сабр-тоқати қолмаслик. *-Гапирсангиз-чи, — деди тоқати тоқ бўлган Лутфихон Тожибойга, туртиб.* С. Аҳмад, Муҳаббат. *Муҳаррамнинг тоқати тоқ, Элмуроднинг йўлига кўзи тўрт эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТОҚ IV: **тоқи лаънат** *с. т. айн.* **тавқи лаънат** *қ.* **тавқ.** *[Босқинчилар] Шу даражада сурбет бўлиб кетганки, тоқи лаънатни бўйнига илиб қўйсангиз ҳам, у иблислар қутуриб, ўз билганларидан қолмаётир.* Мирмуҳсин, Ҳаёт кушандалари талвасаси.

ТОҚА [*а.* طاقه — бир дона, бир тўп, бир ўрам] **1** Жуфт ҳолда бутунлик ташкил этувчи нарсаларнинг икки қисмидан бири, бир томони, бўлаги. *«Таҳқирланган» бой ўрнидан туриб: -Батрак, қул, — деб тикувчини сўкиб, қолипланган бир тоқа этикни унинг бошига чоғлаб отди.* С. Айний, Қуллар. *Шамол шунча заптига олган эдики, эшикнинг бир тоқасини унинг қўлидан суғуриб, куч билан деворга урди-ю, деворнинг устки қавати бутунлай кўчиб тушди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бир жўра атлас ёки беқасамнинг ҳар бир бўлаги. *Бир тоқа атлас. Беқасамнинг бир тоқаси.*

ТОҚАЛАШ *шв.* Яганалаш. *Ота-боболаримиздан бери ғўза тоқалаш давом этиб келаяпти. «Тоқалаш», яъни тоқ қолдириш.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ТОҚАТ [*а.* طاقت — куч, қувват; чидам, бардош, сабр] Чидаш, бардош бериш қобилияти; сабр-бардош, чидам, тўзим. *Тоқат билан кутмоқ. Тоқат билан гапига қулоқ солмоқ. Тоқати тугади (битди, тамом бўлди).* ▬ *Сен бўлмасанг, менда тоқат қайдадир, Тоғ чидамас отангнинг фарёдига!* «Равшан». *Калит топила бермагач, махдумнинг тоқати тугади, чиқиб, қизлар ичидан Раънони чақирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Отамурод Ҳанифанинг ёзғириши тугашини тоқат билан кутарди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Тоқат қилмоқ Бардош бермоқ; чидамоқ. *Иссиққа тоқат қилмоқ. Тоқат қилиб бўлмайдиган аҳвол.* ▬ *У* [*Сатторқул*] *кетгандан кейин Сидиқжон ортиқ тоқат қилолмай, онасига ёрилди, воқеани айтиб, Зуннунхў-*

жанинг уйини елкамнинг чуқури кўрсин, деди. А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари. **Тоқати йўқ** Сабр-чидам етишмаслигини, чидай олмасликни билдиради. *Очиғини айтсам, китоб ўқишга тоқат йўқ.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бунга қолганда, сизни билмасам-да, аммо менинг бундай жудоликка сира тоқатим йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тоқати тоқ бўлмоқ** *қ.* **тоқ** III.

ТОҚАТЛИ Сабр-тоқатга эга; чидамли, тўзимли. *Тоқатли киши. Тоқатлига тоғлар эгар бошини.* Мақол. ▬ *Аввало, йигит киши сабрли, тоқатли бўлади. Иккинчидан, мард бўлади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТОҚАТСИЗ Тоқат қила олмайдиган; тоқати йўқ, бетоқат, чидамсиз, тўзимсиз. *Тоқатсиз одам. Тоқатлига тоғлар эгар бошини, Тоқатсизнинг бировлар ер ошини.* Мақол. ▬ [*Бозорқул*] *Тоқатсиз тўлғаниб, «касалман, мени ёмон дард чалган», деб пичирлади, яна тўлғанди, заиф товуши билан фарёд қилди.* А. Мухтор, Чинор.

ТОҚАТСИЗЛАНМОҚ Тоқати тугаб, чидай олмай безовталанмоқ, бетоқат бўлмоқ. *Оғриқдан тоқатсизланмоқ. Ҳаяжондан тоқатсизланмоқ. Тоқатсизланиб кутмоқ.* ▬ *Ойқизнинг ёнида турган Погодин тоқатсизланиб сўради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳасан овчи ётган ерида тоқатсизланиб, бир ағдарилди-ю, ёнбошлаганича Майнага тикилиб қолди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТОҚАТСИЗЛИК Бетоқат ҳолат. *Тоқатсизлик қилмоқ.* ▬ *Қамчининг келишини тоқатсизлик билан кутиб турган Қумри, қўлини силкитиб, қичқирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТОҚИ [*а.* طاق / طاقی – гумбаз, қубба, арка] **1** *айн.* **васса**. *Бу уй илгари бедахона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ, токчаси ҳам йўқ, тоқиси ҳам йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тоқи санаб ётмоқ 1) ухлай олмай, тунни бедор ўтказмоқ. *Кўзимга ҳеч уйқу келмади.. Ҳеч бўлмаганидан кейин шипга қараб, тоқиларни санай бошладим.* Ойдин, Фонарь тагида; 2) *кўчма* бекор ётмоқ. *-Наҳотки, талтайиб ётишга келган бўлсам!— деди Зайнаб эътироз билдиргандай, қошига келган Комилага, - ҳорганим йўқ, уйқусиз, тоқи санаб ётишни ёмон кўраман.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *айн.* **тоқ** II. *Кичкинагина эшикдан олиб ўтиб, шу эшикча ёнидаги торгина, лекин тоқиларига ранго-ранг гуллар ўйилган хонага олиб кирдилар.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

3 Қоровулларнинг шақилдоғи. *Бозор томонда қоровулнинг тоқиси шақиллади.* С. Анорбоев, Меҳр. [*Гулбодом*] *Узоқдан қоровул тоқисининг овозини эшитди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

4 Кўйлакнинг елка қисмига ичидан қўйилган астар. *Тоқи кўйлакнинг елкасини тез йиртилишдан сақлайди.*

ТОҚИДОР *айн.* **тоқили.** *Бўрихўжа ўн бир қатор япалоқ ғишт билан кўтарилган, олди тўрт устун, тепаси тоқидор.. қадимий айвонда ўтириб, кейинги бир ой ичидаги «кирим» ва «чиқим»ларини хомчўт қилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ТОҚИЛИ Шипига тоқи терилган; вассали. *Ҳовлининг икки томони бўғот иморат; катта чорхари, шифти рангдор тоқили, деворлари ганчли меҳмонхоналар.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТОҚЛИ Тоқи, аркаси ёки гумбази бўлган; гумбазли. *Узоқда ойдин ва сокин кечада Ҳиротнинг етти тоқли жомеи яна ҳам муаззам туюлар эди.* Ойбек, Навоий.

ТОҚ-РАВОҚ, тоқу равоқ Ҳашаматли бинолар, данғиллама уйлар. *Ўзганинг тоқу равоқидан ўзингнинг айвонинг яхши.* Мақол.

ТОҒ 1 Ер юзасининг теварак-атрофдаги текислик, тепалик ёки бошқа баландликка нисбатан якка ёки қатор ҳолда баланд кўтарилган, одатда, турли тош, қаттиқ жисмлардан иборат қисми. *Тоғ тизмаси. Тоғ жинслари. Тоғнинг кўрки — тош билан, Одамнинг кўрки — бош билан.* Мақол. *Кўринган тоғнинг йироғи йўқ.* Мақол. ▬ *Лагерь тоғ тагига жойлашган. Шарқи-жанубий томон айлана кетган тоғ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Жанубдан, кенг ва яшил бағирли Аравон тоғидан аллаловчи.. салқин, сарин шабада эса бошлайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Узоқдан қорайиб кўриниб турган тоғ ўркачига тўлин ой миниб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Олмосдек серқирра, офтобда чўққилари ярқираб турган баланд қорли тоғлар кўзни олади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Атрофни осмонўпар тоғлар ўраб олган..* К. Яшин, Ҳамза.

2 Аҳоли яшайдиган тоғли жой, ўлка; тоғлик. *Ўрганишда ҳам гап кўп. Отанинг ўзи*

айтди-ку, у тоғда туғилиб, тоғда ўсган. Ҳа, у тоғнинг ўз одами. С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Нарсаларнинг баланд (тоғ каби) уюми. *Ётиб ейишга тоғ ҳам чидамайди.* Мақол. ▬ *Эл хирмонида тўпланаётган «оқ олтин» тоғларининг қомати юлдузлар сари бўй чўзди.* Газетадан.

4 *кўчма* Оғир юк, машаққатли иш, ташвиш, ғов ва ш.к. рамзи сифатида қўлланади. *Ғам тоғи. Елкадан тоғ ағдарилгандай бўлди.* ▬*Отабек гўё тоғ остида қолган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шунча тадбир билан қочгани ҳолда, дипломини эсидан чиқарганидан Аъзамни ваҳима тоғи елкасидан босди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Ҳар гўшадан оқди тинмай тилсиз фарёд, Босган эди бало тоғи — зўр истибдод.* Ғайратий.

Бири боғдан келса, бири тоғдан келади Бир-бирига алоқаси бўлмайдиган, алоқаси йўқ гап, фикр-мулоҳазани қайд этади. *Шокир ота ўтирган жойида ҳассасини ерга «дўқ» этиб урди, темирчининг сўзидан норозилигини билдириб деди: -Мен боғдан гапирсам, сен тоғдан келасан.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ишонган (***ёки* **суянган) тоғи** Мадад, кўмак берувчи, шу жиҳатдан энг асосий ҳомий бўлувчи кимса ёки нарса. *Ойжамол ўзининг суянган тоғи деб билган Полвоннинг келишини ниҳоятда орзиқиб кутарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бугун ҳеч иккиланмай терим машиналари ва унинг механизаторларини пахтакорларнинг қатордаги нори, суянган тоғи, деса бўлади.* Газетадан. **Кўнглини** (*ёки* **кўксини, дилини** ...) **тоғ қилмоқ** Руҳан жуда шод (хурсанд) қилмоқ. *Айниқса, мана бу ёшлар кўнглимни тоғ қилиб юборди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Кўксим тоғ этган — Ватан севгиси.* Ё. Мирзо. **Тоғни урса толқон қиладиган** Ниҳоятда баҳодир ва шижоатли. *Бу ёқдаги қазувчилар ҳам Ғуломжон, Барот полвон, Замон сингари тоғни урса толқон қиладиган азаматлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Тоғ-тош (тоғу тош)** Тоғ ва тош қоплаган ер, жой. *..бу сув тоғу тошни тўлдириб юрган қушлар, кавак-кандикларда истиқомат қиладиган жониворлардан ортмас.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Беш кун чўлда, беш кун кўлда, тоғда-тошда — қаерда молга ўт бор деса, бориб қўнган одаммиз-да.* «Ёдгор».

ТОҒА 1 Аёлнинг ака-укалари (унинг болаларига нисбатан). *Ҳомид, бир турли вазиятда, ер остидан жиянига қаради. Тоғасининг ҳолидан хабарсиз Раҳмат сўзида давом этди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шайх беихтиёр жиянига қараб юрди. Расулмат мункиб келиб, тоғасини қучоқлади..* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ўзидан катталарга мурожаат шакли. *Тоға, поезд соат нечада жўнайди?* ▬ *У.. ҳар бир ишда маслаҳатгўй, барча катта-кичик «тоға» деб ҳурматлайдиган Юсвали чол эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Орамизда беш киши нос чекади, қоровул тоға билан олти киши.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТОҒАЙ Одамда ва умуртқали ҳайвонларда қалинлиги ва эластиклиги билан ажралиб турувчи бириктирувчи тўқима. *Бурун тоғайи.* ▬ *Қулоқ супраси тоғайдан иборат бўлиб, тери билан қопланган.* «Анатомия».

ТОҒДАЙ, -дек 1 Тоғ каби, тоғга ўхшаш. *Котловандан чиққан янги нам тупроқ тоғдай бўлиб турибди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Шаҳлосини кўрмади ортиқ, Тоғдай эзиб ташлади фироқ.* Т. Тўла. *У.. тоғдек босиб ётган «орзуни» ағдариб солган ва қушдек енгил тортган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Улкан, зўр, катта, буюк, улуғ. *Қийин кунга қолди тоғдай бошимиз.* Ғ. Ғулом. *Элмуроднинг қалбини бу хат эзиб юборди. Онасининг тоғдай юраги, қуёшдай иссиқ меҳри олдида ўзини ожиз сезгандай бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Қишлоқдаги жиянингизнинг ўғлими? Тоғдек йигит бўлибди. Ёшлигида ҳам бўлали бола эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОҒЛИ Тоғлар билан қопланган, тоғлари кўп бўлган; тоғи, тоғлари бор. *Тоғли мамлакатлар.* ▬ *Эрта куз жаласи тоғли жойларга хос ҳафсала билан қуяр, ёмғир суви темир йўлнинг икки томонидан дарё бўлиб оқар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТОҒЛИК 1 Тоғли жой. *Тоғликда яшамоқ.* ▬ *Менинг совғам тинч гўшада, тоғлик қўйнида Ухлаб ётган гўдакларнинг сокин уйқуси.* Ғайратий.

2 Тоғли жойда яшовчи киши. *Тоғликлар одатига кўра, ўғрини уриб ўлдиришар ёки тошбўрон қилишарди.* Газетадан.

ТОҒОЙИ *эск. кт. айн.* **тоға.** *Обрўли тоғойилари.. ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотдилар.* Ойбек, Навоий.

ТОҒОЛЧА 1 Олхўрилар туркумига мансуб, асосан тоғларда ўсадиган, олчадан йи-

рик, олхўридан майда сарғиш, баъзан қизғиш ёки қорамтир мевали дарахт. *Тоғларга кирсангиз, ўрик, шафтоли.. тоғолча, ҳатто олмурутгача бор.* «Ёшлик».

2 Шу дарахтнинг нордон меваси. *Олча ёки тоғолча қоқисини яхшилаб ювиб, совуқ сувли идишга солиб, оловга қўясиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ТОҒОРА [*ф.* تغار – катта, кенг, думалоқ сопол жом] Хамир қориш, кир ювиш ва б. мақсадларда ишлатиладиган катта чуқур тўгарак идиш. *Хамир тоғора. Кир тоғора. Бир тоғора ош.* ▬ *Ёрмат қизидан хурсанд бўлди.. Пичоқ, қайроқтошни ва гўшт-мой солиш учун тоғораларни тозалаб тайёр қилишни буюрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қози тоғорадай салла остидаги хум калласини ликиллатиб ҳиринглади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Хамир қориб қўйсам, то бошқа ишларимни битиргунимча, тоғорадан тошиб кетади.* А. Ҳамдам, Дастингдан.

ТОҒОРАЧА Кичкина тоғора. *Тунука тоғорача.* ▬ *Хотин жўхорини туйиб бўлди, уни келидан тоғорачага солаётиб дўнғиллади.* А. Қаҳҳор, Анор.

ТОҒРАЙҲОН *бот.* Лабгулдошлар оиласига мансуб, асосан тоғ ёнбағирларида ўсадиган кўп йиллик ўсимлик.

ТОҒТЕРАК *бот.* Толдошлар оиласига мансуб, асосан тоғ водийларида ўсадиган, ёғочи саноатбоп терак тури. *Куз келиб қолгани боис, қирғоқларида тол, тоғтерак, қайрағочлар қалин ўсган сой энди тиниқ ва сокин оқмоқда эди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ТОҒ-ТОШ, тоғу тош Тоғли жой ва ундаги тоғлар, тошлар. *Тоғу тошни сув бузар.* Мақол. ▬ *Тоғ-тошлар орасида яшириниб юрган бир йиртқични қўлга тушириш осон эмас, жуда усталик билан ҳаракат қилиш лозим эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТОҒ-ТОҒ 1 Тоғдек уйилган, тўп-тўп, кўп. *Катта тик ариқ. Икки лаби тоғ-тоғ тупроқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шундоққина қурилишга яқин жойда тоғ-тоғ ғишт очиқ ҳавода уйилиб ётибди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Севдим сени чаман водийда, Ғалабалар созин чалибсан. Довруқ солиб улуғ ватанга, Тоғ-тоғ пахта териб олибсан.* Ғайратий.

2 *кўчма* Чексиз кўп, битмас-туганмас. *Оҳ, қани эди, у тирилса-ю, бир кўрсам! Тоғ-тоғ ҳасратларимни унга айтиб ёзсам!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТОҒУЗУМ *бот.* Пўсти жуда юпқа, эти сувли, сершира ўртапишар маҳаллий узум нави.

ТОҒЧУМЧУҚ *зоол.* Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, дум патида оқ, бўйнида сариқ холи бўлиши билан бошқа чумчуқлардан фарқланувчи, тоғ қояларида, жарликларда яшовчи қуш.

ТРАВМА [*юн.* trauma – яра, шикаст, лат] Жисмоний ёки маънавий шикаст, лат. *Мия травмаси. Ишлаб чиқариш травмаси.*

ТРАВМАТИЗМ Бирор муҳит, фаолият соҳасида содир бўладиган шикастлар, травмалар мажмуи. *Кейинги вақтларда травматизмга қарши кураш масалаларини ишлаб чиқиш йўлида кўп ишлар қилинди.* Газетадан.

ТРАВМАТОЛОГ Травматология бўйича мутахассис, врач.

ТРАВМАТОЛОГИЯ [*юн.* trauma, traumatos – шикаст, лат + logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг травмаларни ўрганиш, уларни даволаш ҳамда олдини олиш билан шуғулланадиган соҳаси. *Айниқса, Тошкент травматология ва ортопедия илмий текшириш институти бу соҳада тузуккина ишлар қилди.* «Гулистон».

ТРАГЕДИЯ [*юн.* tragoidia – эчки қўшиғи < tragos – эчки + ode – қўшиқ; юнон мифологиясида: набогот, вино ва хурсандчилик маъбуди Дионис шарафига эчки қурбонлик қилинаётган пайтда айтиладиган биринчи қўшиқ] **1** *ад.* Ўта кескин, ўткир ёки келиштириб бўлмайдиган ҳаётий зиддиятларни тасвирловчи ва кўпинча қаҳрамоннинг ўлими билан тугалланувчи драматик асар. *Шекспирнинг «Гамлет» трагедияси.*

2 Даҳшатли воқеа, ҳодиса; мудҳиш аҳвол; фожиа. *Жиззах қўзғолони стихия билан бошланиб, беқиёс трагедия билан мағлубиятга учради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТРА́ГИК 1 Трагедия ёзувчи, трагедия муаллифи.

2 Трагик ролларни ижро этувчи артист.

ТРАГИ́К 1 Трагедияга, фожиали драматик асарларга оид; трагедияга хос бўлган. *Трагик асар. Трагик жанр. Трагик актёр.*

2 Фожиали, фожиавий. *Тешабой камбағалларнинг ўз болаларини боқолмай, бой-*

ларнинг эшигига ташлаб, «оталик ҳуқуқини» уларга ўтказиб кетганлари ҳақидаги трагик воқеалардан анчагина гапириб берди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ТРАГИКОМЕДИЯ [трагедия + комедия] *ад.* Ечими кулгили, беўхшов, ёпишмаган ҳолатлар билан боғлиқ фожиавий (трагедиявий) зиддият асосига қурилган, қаҳрамоннинг ўлими тақозо этилмайдиган драматик асар.

ТРАДИЦИОН *қ.* **анъанавий.** *Қўшнимиз Фарғони области пахтакорлари билан традицион мусобақа бизга катта ёрдам кўрсатмоқда.* Газетадан. *Сизнинг традицион жанр — аруздаги асарларингиз теварагида қизғин баҳслар бўлди.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ТРАДИЦИЯ [*лот.* traditio — етказиш, ўтказиш; ҳикоя қилиб бериш] *қ.* **анъана.** *Олимпиада ўйинлари — халқаро спорт ҳаракатининг яхши традициясидир.* Газетадан. *Жамоат кўриклари, томошабинларнинг конференцияларини ўтказиб туриш турмушга сингиб, традицияга айланди.* Газетадан.

ТРАЕКТОРИЯ [*лот.* trajectus — силжиш, жилиш, сурилиш] Ҳаракатдаги нуқта ёки жисмнинг текисликдаги, фазодаги йўли, изи. *Ҳаракат траекторияси. Снаряд траекторияси. Ернинг сунъий йўлдоши траекторияси.* ▬ *Жисм ҳаракатланаётган чизиқ ҳаракат траекторияси деб аталади.* «Физика». *Кўп босқичли космик ракета илгаридан қатъий белгиланган траектория бўйича Ойга учиб борди.* Газетадан.

ТРАКТ [*нем.* Trakt < *лот.* tractus — судраш, тортиш; силжиш, юриш; йўл] Катта йўл. *Катта Ўзбекистон тракти. Сув тракти.* ▬ *Шаҳар чеккасидаги сўнгги уйлар ҳам орқада қолиб кетди, машина тезлигини ошириб, қор босган чўл трактидан учиб борарди.* Газетадан.

ТРАКТАТ [*лот.* tractatus — муҳокама қилиш, кўриб чиқиш] Айрим масалага бағишланган илмий асар, рисола. *Фалсафий трактат.*

ТРАКТИР [*лот.* tracto — меҳмон қиламан, зиёфат қиламан] Ўтмишда Россияда: паст даражали ресторан ва шундай ресторани бўлган меҳмонхона.

ТРАКТОР [*лот.* tractor < trahere — судрамоқ, тортмоқ] Турли хил машина, механизм ва б. хил қуролларни тортувчи, уларнинг ҳаракатга келтирувчи ва юк ташувчи ўзиюрар машина. *Ғилдиракли трактор. Гусеницали трактор. Ҳайдов трактори. Чопиқ трактори. Трактор ҳайдовчиси. Ерга трактор солмоқ. Ерни трактор билан ҳайдамоқ.* ▬ *Учта трактор секин-секин юриб, паст-баландларни суриб, текислаб борарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Оғир тўпни судраб кетаётган трактор бузилиб, йўлни тўсиб қўйибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Замонавий қишлоқ хўжалигини кучли тракторлар, мураккаб машина ва механизмларсиз тасаввур қилиш қийин.* Газетадан.

ТРАКТОРИСТ *с. т. қ.* **тракторчи.** *Санъаткор тажанг эди: танаффус вақтида залга чиққан эди, бир тракторист уни саводсизликда айблади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТРАКТОРСОЗ (*асосан, кўпл. шаклида —* **тракторсозлар**) Трактор ишлаб чиқарувчи. *Бола Самандаровнинг тракторсоз уста эканлигига жуда амин бўлса керак, қаттиқ бош ирғитди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тошкент тракторсозлари шанбаликни меҳнатда энг юксак унумдорликка эришиш билан нишонлашга аҳд қилдилар.* Газетадан.

ТРАКТОРСОЗЛИК Тракторлар ишлаб чиқариш; саноатнинг тракторлар ишлаб чиқарадиган соҳаси. *Тракторсозлик заводи.*

ТРАКТОРЧИ Трактор ҳайдовчи шахс. *Айни саҳар пайтида Келар ёқимли овоз, Тракторчи Турсунбой Ерни ҳайдаб қилар соз.* «Қўшиқлар».

ТРАКТОРЧИЛИК Трактор ҳайдаш иши, касби. *Барновойнинг қизи Бухорога ўқишга кетармиш, яна қанақасига денг, тракторчиликка.* Н. Аминов, Муяссар.

ТРАМВАЙ [*ингл.* tramway < tram — вагон + way — йўл] **1** Электр кучи билан ишлайдиган, бир ёки бирдан ортиқ вагондан иборат, йўловчи ташувчи шаҳар темир йўл транспорти. *Йигитали азбаройи хурсандлигидан трамвайга ўтиришни ҳам унутиб, ижара кулбаси томон пиёда кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Трамвайнинг олдидан тахта ортилган узун машина кесиб ўтди-ю, қаттиқ тормоз зарбидан вагон қалқиб кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Элмурод Муҳаррам билан хайрлашиб, Ҳадрага келганда, трамвайлар паркка кириб кетмоқда эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТРАМВАЙЧИ Трамвайда, трамвай паркида ишловчи киши.

ТРАМПЛИН [*фр.* tremplin] **1** Чанғида учиш ва сувга сакраш спортида мумкин қадар узоққа ёки баландга сакраш учун ясалган махсус мослама. *Зал махсус волейбол ўйнаш учун яроқсиз бўлса ҳам.. конь, козёл, трамплин.. ва бошқа спорт инвентарлари бир четга йиғиштириб қўйилган эди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

2 *кўчма* Бирор ишни бошлаб юбориш, ҳужум қилиш, сакраб ўтиш ва ш.к. учун қулай жой, ўрин. *Сиз худбин одамсиз. Қурилиш сиз учун трестдаги ваъда қилинган ўринга сакрашга бир трамплин, холос.* А. Мухтор, Туғилиш.

ТРАНЗИСТОР [*ингл.* transistor < tran(sfer) – ўтказмоқ, кўчирмоқ + (re)sistor – қаршилик] **1** Электр сигналларни (тўлқинларни) кучайтирувчи яримўтказгичли электрон асбоб, элемент. *Касал ётган хонага юрак уришини ёзиб олувчи транзистор асбоби ўрнатилади.* Газетадан.

2 *с. т.* Транзисторли приёмник. *Стол устида магнитофон, транзистор, фотоаппаратлар.* Мирмуҳсин, Умид.

ТРАНЗИСТОРЛИ Транзистор ўрнатилган, транзистори бўлган. *Транзисторли приёмник.*

ТРАНЗИТ [*лот.* transitus – ўтиш жойи, юриб ўтиш] **1** Бир мамлакатдан, жойдан иккинчи бир мамлакатга, жойга улар ўртасидаги мамлакат, жой орқали пассажир, юк олиб ўтиш, ўтказиш. *Транзитга йўл бермоқ. Транзит ҳуқуқи. Транзит билет. Транзит пассажир.* ▬ *Транзит машиналар Тошкентни айланиб ўтади..* Газетадан.

2 Юкни жўнатилган жойдан то мўлжалланган жойгача оралиқ пунктларда туширмасдан, бошқа транспорт воситаларига ортмасдан тўппа-тўғри олиб бориш, ўтказиш. *Юкларни транзит қилиб (транзит билан) юбормоқ.*

ТРАНС- [*лот.* trans – орқали, орасидан, ичидан; орқасида; мобайнида] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) бирон-бир фазо, майдон орқали ҳаракатланиб, уни кесиб ўтиш (мас., *трансатлантик*); 2) бирор нарса ортидан, бирор нарсанинг нариги томонида бориш, жойлашиш (мас, *трансуранлар*); 3) бирор нарса воситасида кўрсатиш; белгилаш, етказиш (мас., *транслитерация*) каби маъноларни билдиради.

ТРАНСКРИПЦИОН Транскрипция (**1, 2**)га оид, транскрипцияга асосланган. *Транскрипцион белги. Транскрипцион система.*

ТРАНСКРИПЦИЯ [*лот.* transcriptio – кўчириб ёзиш] **1** *тлш.* Бирор тилдаги нутқ товушларининг талаффузини шартли белги ва ҳарфлар воситасида аниқ акс эттириш; шу мақсад учун хизмат қиладиган белгилар тизими. *Фонетик транскрипция. Диалектологик тадқиқотларда транскрипциядан фойдаланиш.*

2 Бошқа тиллардаги атоқли отлар, географик номлар, илмий терминлар ва ш.к. таржима қилинмайдиган сўзларни махсус белгилар тизими орқали ёки муайян миллий алифбо воситалари орқали акс эттириш; фонетик транскрипция.

3 *мус.* Бирор соз ёки овоз учун мўлжаллаб ёзилган мусиқа асарини бошқа соз ёки овоз ижроси учун мослаштириш ёки уни усталик билан қайта ишлаш.

ТРАНСКРИПЦИЯЛАМОҚ Транскрипцион белгилар билан ёзмоқ, оддий ёзув белгиларини транскрипция белгилари билан алмаштириб кўчирмоқ. *Матнни транскрипциямоқ.*

ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ [транс.. + *лот.* littera – ҳарф] Бирор алифбо асосида ёзилган матнлар ёки алоҳида сўзларни бошқа бир алифбо воситалари билан ҳарфма-ҳарф акс эттириш. *Европача номларнинг ўзбекча транслитерацияси.*

ТРАНСЛЯЦИОН Трансляцияга оид, трансляция учун хизмат қиладиган. *Трансляцион радиоузел.*

ТРАНСЛЯЦИЯ [*лот.* translatio – узатиш; эшиттириш, кўрсатиш] Мусиқа, тасвир, нутқ ва ш.к. ни радио, телевидение, симли алоқа воситалари орқали муайян масофага узатиш, эшиттириш, кўрсатиш. *Спектакль радио орқали трансляция қилинди. Футбол ўйини трансляциясини кўрмоқ.*

ТРАНСПАРАНТ [*фр.* transparent – тиниқ, шаффоф] **1** Шиор ёзиб, расм, сурат солиб рамкага тортилган, одатда орқа томонидан нур тушириб ёритилган мато ёки қоғоз (намойишларда, реклама ва эълонларда фойдаланилади). *Бир кундан кейин дала шийпонида шундай бир катта транспарант пайдо бўлди: «Пахтакор, мана шу*

беш кунликда олган мажбуриятингни унутма!» Газетадан. *Одамлар тинчликка, ҳамкорликка қаратилган транспарантлар кўтариб юрибдилар.* Газетадан.

2 Бир текис ёзиш учун оқ варақ остига қўйиладиган, горизонтал йўғон қора чизиқлар чизилган қалин қоғоз. *Чизиқсиз қоғоз остига транспарант қўйиб хат ёзмоқ.*

ТРАНСПЛАНТАНТ *тиб.* Тўқима ёки аъзонинг трансплантация учун фойдаланиладиган қисми, бўлаги.

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ [*лот.* transplantare – кўчириб бошқа жойга ўтказмоқ] *тиб.* Одам ва ҳайвонларда патологик жараён натижасида шикастланган ёки олиб ташланган тўқима ва аъзолар ўрнига соғломини кўчириб ўтказиш (бир организм доирасида ёки бир турдаги бир неча организмлар ўртасида ёхуд ҳар хил турдаги организмлар доирасида амалга оширилади). *Қон томирлари трансплантацияси. Юрак трансплантацияси.*

ТРАНСПОРТ [*лот.* transportare – олиб бормоқ, ташимоқ, ўтказмоқ] **1** Халқ хўжалигининг юк ва пассажирлар ташиш билан шуғулланувчи тармоғи ва унинг воситалари. *Автомобиль транспорти. Шаҳар транспорти. Темир йўл транспорти.* ▬ *Қурилиш материалларини олиб келай десанг, транспорт йўқ..* «Муштум». *Пиёда, худди транспорт ҳайдовчиси каби, йўл ҳаркатининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади.* Газетадан.

2 *ҳарб.* Озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ва ш.к. ҳарбий анжомлар ташийдиган кема.

ТРАНСПОРТЁР [*фр.* transporteur < *лот.* transportare – олиб бормоқ, ташимоқ] **1** Юкларни жойдан-жойга тўхтовсиз узатиб турадиган қурилма; конвейер. *Лентали транспортёр.* ▬ [*Смена мастери билан Инъомжоннинг*] *У ёнидан-бу ёнидан вагонетка гувуллаб югуради, оёғининг тагидан транспортёр лентаси ғиқиллаб ўтади.* С. Аҳмад, Мўтти.

2 *айн.* **бронетранспортёр.**

ТРАНСПОРТИР [*фр.* transporteur < *лот.* transportare – кўчирмоқ, олиб ўтмоқ] Градусларга бўлинган ярим доира ва чизғичдан иборат бурчак ўлчаш ва бурчак ясаш асбоби; бурчак чизгич.

ТРАНСПОРТЧИ Транспорт ходими. *Транспортчиларимиз етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини қоп-қанорсиз ташиб беришга ваъда бердилар.* Газетадан.

ТРАНСУРАНЛАР, трансуран элементлар [транс.. + уран] Менделеев даврий системасида урандан сўнг жойлашган, деярли табиий ҳолда учрамайдиган (сунъий йўл билан олинадиган) кимёвий элементлар.

ТРАНСФОРМАТОР [*лот.* transformare – бошқачасига ўзгартирмоқ, айлантирмоқ] Ўзгарувчан электр токининг кучланишини ошириб ёки пасайтириб берувчи аппарат. *Кучланишни пасайтирувчи трансформатор. Кучланишни оширувчи трансформатор. Трансформатор қутиси.*

ТРАНСФОРМАЦИЯ [*лот.* transformatio – ўзгартириш] **1** *тех.* Энергия ёки объектларнинг бирон-бир муҳим хосса-хусусиятини трансформатор ёрдамида ўзгартириш. *Ўзгарувчан токни трансформация қилиш.*

2 *тлш.* Асосий синтактик тузилмани тил қонун-қоидалари асосида ўзгартириб, иккинчи бир тузилма ҳосил қилиш (мас., *Ўқитувчи қоидани тушунтирди. // Қоида ўқитувчи томонидан тушунтирилди.*

ТРАНСФОРМАЦИЯЛАМОҚ Трансформация қилмоқ, ўзгартирмоқ. *Электр токини трансформацияламоқ.*

ТРАНШЕЯ [*фр.* tranchee – чуқур, хандақ, зовур < trancher – қирқмоқ] **1** *ҳарб.* Жанг олиб бориш, душман зарбаларидан сақланиш, яширин ҳаракат қилиш учун мослаштирилган, атрофи тупроқ кўтармали тор, узун, чуқур зовур, хандақ. *Йўлнинг пастки томонида вайрона станциялар.. узундан-узоқ траншеялар.. стволлари ерга санчилган тўплар.. ортда қолиб борар эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *У «Взвод кела қолса эди, буларни ушлаб олардик», деган хаёлда траншеялар билан взводга жўнади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳар қадамда.. каламушнинг уясига ўхшаган окоп, траншея.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *махс.* Бирор мақсадда қурилган, ковланган зовур, чуқур. *Силос траншеяси. Пойдевор траншеяси. Водопровод қувурлари ётқизиладиган траншея.*

ТРАП [*голл.* trap – зина, нарвон] **1** Кема ичидаги, шунингдек, кемага чиқиш-тушиш учун хизмат қиладиган, арқон, ёғоч ёки металлдан ишланган махсус нарвон, зина. *Арқон трап.* ▬ *Кема трапидан тушаётган меҳмонни зирҳлари ялтираб турган икки робот кузатиб борарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Самолёт, вертолёт ва ш.к. га чиқиш-тушишда фойдаланиладиган махсус зина; муваққат нарвон. *Самолётга трап қўйиб бўлмади. Одамлар баланддан бир-бирининг устига ўзини ташламоқда.. эди.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

ТРАПЕЦИЯ [*юн.* trapezion – столча] *мат.* Икки томони ўзаро параллел бўлган, қолган икки томони параллел бўлмаган тўртбурчак.

ТРАССА [*нем.* Trasse < *лот.* tractare – чизмоқ, чизиқ тортмоқ] **1** Ерда ёки харитада канал, йўл, газ қувури, алоқа линияси ва ш.к. нинг қандай ўтишини ёки қандай ўтказилиши кераклигини ёки самолёт, кема ҳаракат йўналишини кўрсатувчи чизиқ, из. *Самолёт учадиган трассани белгиламоқ. Тошкент метросининг трассаси. Бухоро–Урал газ қувури трассаси.* ▬ *Канал трассасидаги ернинг юқори қатлами бир метр чамасида тошдек қаттиқ эдики, унга теккан ковш, тошга теккандек, сапчиб кетарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Узоқ масофали катта қатнов йўли, йўл. *Мамлакатнинг темир йўл трассалари. Автомобиль трассаси.* ▬ *Спортчилар ўзларининг машиналарини текширишдан ўтказдилар, мотокросс трассаси билан танишдилар, трассада бир неча кун машғулот ўтказдилар.* Газетадан.

ТРАУЛЕР [*ингл.* trawler < trawl – ёйма тўр] *денг.* Балиқ ва б. денгиз жониворларини трал (конуссимон тўр қоп) ёрдамида овлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш учун мўлжалланган денгиз кемаси.

ТРАФАРЕТ [*итал.* traforetto – тешиб, илма-тешик қилиб ташланган < *лот.* transforare – тешмоқ] **1** Гул, нақш солиш, безакли хат ёзиш ва ш.к. учун белгиланган ўйма андаза ва шундай андазадан фойдаланиб, бўёқ билан девор, плакат ва ш.к. га солинган гул, нақш. *Трафарет билан гул солмоқ. Деворларга чиройли трафаретлар солинган.* ▬ *Расм солиниши лозим бўлган ҳар бир буюм учун ўзининг андазаси – трафарети тайёрланади.* Газетадан. *-Мен бу кишининг дидларига қойил бўлдим, амаки, – деди Набигулнинг акаси, – уйларини кўкимтир бўёқ билан трафарет қилдирган эканлар, ҳафсала қилиб, чироқларига шу рангдаги абажур ҳам қўйибдилар.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Ўйламасдан амал қилинадиган, тайёр ҳолдаги намуна; қолип. *Ҳатто, айтиш мумкинки, фольклордаги тайёр традицион трафарет иборалар ўрнига янгилари қўлланмоқда.* «ЎТА».

ТРАХЕИТ [*ингл.* tracheitis] Трахея шиллиқ пардасининг совуқ ёки айрим юқумли касалликлар оқибатида яллиғланиши.

ТРАХЕЯ [*юн.* tracheia – кекирдак] Кекирдак – нафас йўлларининг ҳиқилдоқдан кейинги қисми.

ТРАХОМА [*юн.* trachus – ғадир-будур] *тиб.* Кўз шиллиқ пардасининг сурункали яллиғланиши билан кечадиган юқумли касаллик; шилпиқ.

ТРЕВОГА [*р.* тревожить – «ташвишлантирмоқ, хавотирга, ваҳимага солмоқ» фл. дан ясалган от] Хавфли ҳолат ва ундан огоҳлантирувчи сигнал. *Ҳаво тревогаси. Тревога сигнали.* ▬ *Тревога эълон қилиниши билан солдатлар дарахт паналарига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТРЕД-ЮНИОНИЗМ [*ингл.* tradeunionism] Ишчилар ва касаба уюшмалари ҳаракатида меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилаш йўлида ислоҳотлар ўтказиш талабларини олға сурувчи оқим.

ТРЕД-ЮНИОНЛАР [*ингл.* trade – касб-ҳунар + union – бирлашма, уюшма] Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия ва б. баъзи инглиззабон мамлакатларда касаба уюшмалари.

ТРЕЙЛЕР [*ингл.* trailer < trail – тортмоқ, судрамоқ] Ўта оғир, одатда 100 тоннагача бўлган яхлит юкларни ташишга мўлжалланган тиркама транспорт воситаси.

ТРЕК [*ингл.* track – из, йўл] Велосипед ва мотоцикл спорти бўйича ўтказиладиган турли машқ ва пойгалар учун доира шаклида қурилган, қия, нишабли бурилишлари бўлган махсус йўл, йўлка. *Велосипед треки.*

ТРЕНАЖЁР [*ингл.* train – ўргатмоқ, машқ қилдирмоқ] **1** *махс.* Муайян касбий малакалар орттириш, машина, механизмларни бошқаришни ўрганиш учун мўлжалланган мослама.

2 *спрт.* Жисмоний машқлар воситасида турли хил мускулларни ўргатиш, чиниқтиришга ёрдам берувчи мослама, қурилма.

ТРЕНЕР [*ингл.* trainer < train – ўргатмоқ, машқ қилдирмоқ] Спортнинг бирор

тури бўйича спортчилар тайёргарлигига раҳбарлик қилувчи мутахассис. *Футбол жамоасининг тренери.* ▬ *Тренер менга кўлқоп бераётиб: -Юрагингни сақла! – деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бу шаҳарда кўпгина спорт ишларини жамоатчи тренер ва инструкторлар олиб бормоқда.* Газетада. *Тренер шогирдини ҳаяжонланмасликка ундар, сўнгги маслаҳатини берарди.* Газетадан.

ТРЕНЕРЛИК Тренер иши, касби. *Тренерлик қилмоқ.*

ТРЕНИНГ [*ингл.* training – ўргатиш, тарбиялаш, машқ қилдириш] Тренировка тизими, машқ, машғулот режими (*қ.* **тренировка**).

ТРЕНИРОВКА [*р.* < *ингл.* treining] **1** Маълум сифат-хусусиятларга эга бўлиш ёки уларни сақлаб қолиш учун мунтазам равишда амалга ошириладиган машқлар, машғулотлар.

2 Муайян режа асосида спортчини, унинг организмини ўз кучини максимал намоён қилишга, чидамлилик, тезлик, чаққонликка ва ғалаба учун интилишга тайёрлаб бориш.

ТРЕПАНАЦИЯ [*фр.* trepanation < trepan – парма] *тиб.* Суяк бўшлиғини, мас., калла суягини тешиб очишдан иборат жарроҳлик операцияси.

ТРЕСТ [*ингл.* trust – ишонч] *иқт.* **1** Монополия шаклларидан бири – тадбиркорлар (фирмалар) нинг иқтисодий бирлашмаси; бунда иштирокчилар ўзларининг аввалги ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақиллигини тўла йўқотиб, ягона бошқарувга бўйсунадилар.

2 *эск.* Собиқ СССР мамлакатларида: маҳсулотларнинг бир турдалиги ёки хомашёга ишлов бериш босқичлари бўйича ўзаро боғланган корхоналар бирлашмаси.

ТРИБУН [*лот.* tribunus – армия қўмондони; оддий халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи вакил] Оташин нотиқ ва публицист бўлган йирик жамоат арбоби.

ТРИБУНА [*фр.* tribune < *лот.* tribunal] **1** Нотиқ чиқиб сўзлайдиган, раҳбарлар ўз мулозимлари билан турадиган (ўтирадиган) баланд жой; минбар. *Трибунага чиқиб сўзламоқ.* ▬ *Трибуналарда дипломатик корпус аъзолари турибдилар.* Газетадан. *Трибуналарда шу гап, телевизор экранлари, рекламаларда шу мавзу.* Э. Охунова, Икки океан оша.

2 *кўчма* Ижтимоий фаолият олиб бориш учун восита бўлган соҳа, жой.

3 Стадионлар ва майдонларда томошабинлар учун ўринлар тобора юқорилаб борадиган қаторларда жойлаштирилган қурилма, иншоот. *Трибуналар томошабинлар билан лиқ тўла.*

ТРИБУНАЛ [*лот.* tribunal – суд қиладиган жой] Суд ҳайъати; фавқулодда ёки ихтисослашган суд, унда асосан ҳарбий хизматчилар, ҳарбийни ўтовчилар жиноятибўйича ишлар кўрилади (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда). *Бу асилзодани ўртоқ Қамбаровга олиб бориб топшир! Трибунал олдида жавоб берсин!* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

ТРИГОНОМЕТРИК Тригонометрияга оид. *Тригонометрик функция. Тригонометрик жадвал.*

ТРИГОНОМЕТРИЯ [*юн.* trigonon – учбурчак + metreo – ўлчайман] Математиканинг учбурчак томонлари ва бурчаклари ўртасидаги боғланишларни ўрганадиган бўлими.

ТРИКО [*фр.* tricot < tricoter – тўқимоқ] **1** Устки кийимлар тикиш учун ишлатиладиган, жимжимадор қилиб тўқилган жун газлама. *Костюмлик трико. Трико шим.*

2 Трикотаж тўқимадан тикилган, гавдага ёпишиб турадиган спорт ёки театр костюми. *Дарвоза очилиб, йўғон қоматини спортчилар киядиган қалин трико сиқиб турган Шамси Тўраевич кўринди.* Н. Аминов, Суварак.

ТРИКОТАЖ [*фр.* tricotage < tricoter – тўқимоқ] Машинада илмоқлаб тўқилган мато ва ундан тайёрланган кийим (пайпоқ, кофта, шапка, кўйлак-лозим ва ш.к.). *Ипакли трикотаж. Жун трикотаж.* ▬ *Трикотаж цехида эллик ишчига мўлжалланган ишлаб чиқариш участкаси фойдаланишга топширилди.* Газетадан. *Республика саноати минерал ўғит.. консервалар, трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш режасини бажарди.* Газетадан.

ТРИЛЛЕР [*ингл.* thrill – асабий титроқ, ҳаяжон(ланиш)] Саргузашт фильмлар, бадиий асарларнинг томошабинлар ёки ўқувчиларда ташвиш, ваҳима, безовталик, қўрқув уйғотувчи ўзига хос воқеа, эпизодлари бўлган алоҳида тури.

ТРИЛЛИОН [*фр.* trillion < *лот.*] Минг миллиардга тенг сон, минг миллиард (1 рақами ва 12 та, баъзи мамлакатларда 18 та нолдан иборат). *Геологлар бу ерда* [*Қизилқумда*], *худди океаншунослар сингари, триллионлар билан иш кўришади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТРИЛОГИЯ [*юн.* trilogia < tri – уч + logos – сўз] *ад., мус.* Бир муаллифнинг умумий мавзу, етакчи ғояси, сюжет алоқадорлиги билан бир бутунликни ташкил этувчи уч (бадиий, мусиқий ёки саҳнавий) асари. *Биринчи бор ўзбек адабиётида бир муқова остида уч китобни ўз ичига олувчи мукаммал бадиий трилогия пайдо бўлди.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ТРИО [*итал.* trio < *лот.* tres – уч] **1** Учта ижрочи (хонанда ёки созанда)дан иборат ансамбль. *Баянчилар триоси. Хонандалар триоси.*

2 Уч ижрочи (хонанда ёки созанда) учун ёзилган мусиқа асари.

ТРИОД [*юн.* tri + (электр)од] Катод, бошқарувчи тўр ва аноддан иборат уч электродли лампа.

ТРИППЕР [*нем.* Tripper < trippen – томмоқ, оқмоқ] *айн.* **сўзак** I.

ТРИПСИН [*юн.* thrypsis – суюлтириш] *тиб.* Меъда ости безида ҳосил бўладиган, овқатни ҳазм қилдирадиган фермент.

ТРИПТИХ [*юн.* triptychos – уч букланган, қатланган] *снт.* Умумий, ягона ғоя, мавзу ва сюжет билан боғланган, учта расм, манзара ва ш.к. дан ташкил топган тасвирий санъат асари.

ТРИТИЙ [*юн.* tritos – учинчи] Водороднинг масса сони 3 бўлган радиоактив изотопи (атом ядроси битта протон ва иккита нейтрондан иборат).

ТРИТОН [*юн.* Triton – юнон мифологиясида: танаси одамсимон, оёқлари ўрнида балиқ думи бўлган денгиз маъбуди] **1** *зоол.* Европа, Осиё ва Шимолий Америкада яшовчи, саламандралар оиласига мансуб думли амфибияларнинг бир тури.

2 *астр.* Нептун сайёрасининг иккита йўлдошидан бири.

ТРОЛЛЕЙБУС [*ингл.* trolleybus < trolley – роликли ток ўтказгич (улагич) + bus – (авто)бус] Электр кучи билан юрадиган, йўловчи ташувчи рельссиз шаҳар транспорт машинаси. *Троллейбус парки.* ▬ *Автобус, троллейбус, трамвайлар мунтазам ишлаб турган вақтдагина йўловчи ҳеч қандай қийинчиликсиз ишхонасига кайфияти чоғ ҳолда кириб келади.* Газетадан. *Аҳмад эртасига, менга келаётганида ток бўлмай, троллейбус тўхтаб қолганини айтди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТРОМБ [*юн.* thrombos – юмалоқланган; ивиган, қуюлиб қолган нарса] *тиб.* Қон томирлари ёки юрак бўшлиғида ивиб қолган қон ёки лимфа томирларида ивиб қолган лимфа.

ТРОМБОЗ [«тромб» с. дан] *тиб.* Қон томирларида ва юрак бўшлиғида қоннинг ивиши ва бунинг натижасида қон оқимининг қийинлашуви ёки умуман тўсилиши.

ТРОМБОН [*итал.* trombone – катта труба] Паст кескин товуш чиқарадиган, товуш баландлиги сурма ёки клапанли механизм билан ўзгартириладиган, мисдан қилинган пуфлама мусиқа асбоби. *Ёрқин туйғуларни ифодаловчи скрипка ва флейталар куйига бора-бора контрабас ва тромбонларнинг йўғон.. оҳанглари қўшилди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТРОП [*юн.* tropos – бурилиш, айланиш] *қ.* **кўчим.**

ТРО́ПИК [*юн.* tropikos – бурилишли, айланишли] **1** Ер юзасидан экватордан 23° 27′ шимолда ёки 23°27′ жанубда унга параллел равишда ўтказилган икки фаразий доиравий чизиқнинг ҳар бири; мадор. *Тропикдан ўтмоқ.*

2 Шу икки чизиқ ўртасида, экваторнинг икки томонида жойлашган энг иссиқ минтақа. *Тропикда яшамоқ.*

ТРОПИ́К Тропикларга оид, Ер шарининг энг иссиқ минтақасига, тропикларга хос бўлган, шу ерда бўладиган, жойлашган. *Тропик мамлакатлар. Тропик ўсимликлар. Тропик касалликлар. Тропик циклон.*

Тропик йил Қуёш марказининг баҳорги тенгкунлик нуқтасидан кетма-кет икки марта ўтиши орасидаги вақт, давр.

ТРОПИКЛАР Тропикда жойлашган ерлар, тропик мамлакатлар, ўлкалар.

ТРОПОСФЕРА [*юн.* tropos – бурилиш; ўзгариш + sfera – сфера] Атмосферанинг Ер юзаси таъсири аниқ сезиладиган, 10 дан 18 километргача бўлган қуйи қатлами.

ТРОС [*голл.* tros] Толали материаллар, пўлат симлар, сунъий толалардан эшилган,

пишиқ йўғон арқон, канат. *Дониёрбеков блокнотидан бир варақ йиртди-да, «Хиёл! Қандай бўлса ҳам тросни белингга боғла, бор кучинг билан унга осил, бу ёқдан тортиб оламиз!» деб ёзди.* И. Раҳим, Тақдир. *Лебёдка [чиғир] қаттиқроқ ишлаганда, унинг ғалтагига ўралаётган йўғон трос тутаб кетгандай кўринади.* П. Қодиров, Эрк.

ТРОТУАР [*фр.* trottoir < trotter – майда қадам ташлаб юрмоқ] Кўчанинг чеккасида, қатнов йўли билан уйлар ўртасида пиёдалар учун қурилган йўлка. *Кенг тротуар. Асфальт тротуар.* ▬ *Ғуломжон икки четига қатор мирзатерак ўтқазилган кенг кўчанинг салқин тротуарида жануб томон борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТРУБА [*итал.* tromba] **1** Суюқлик, газ, буғ ва ш.к. ни ўтказиш учун ясалган, одатда, доиравий кесимли, узун, ичи кавак маҳсулот. *Сопол труба. Чўян труба. Водопровод трубаси.* ▬ *Станция шаҳарнинг ўртасида эди. Тўрт томонда баланд-баланд трубалардан қуюқ қора тутун буруқсиб чиқиб, кўкка интилмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *мус.* Баланд очиқ товуш чиқарадиган пуфлама мусиқа асбоби. *Труба чалмоқ.* ▬ *Труба – мис духовой [пуфлама] асбоблар тўдасида энг баланд (юқори), очиқ ва равшан товуш берадиган асбоб.* И. Акбаров, Музика саводи.

ТРУБАЧИ Труба чалувчи созанда ёки сигналчи. *Икки ўртоқ бир қўлига қадаҳ, иккинчи қўлига мезбон хотин янгигина олиб келган кабобдан олиб, энди винони ярмигача шимирган эди, полк трубачиси тревога чалиб қолди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТРУБКА [*итал.* tromba] **1** Ингичка труба, найча. *Резина трубка.*

2 *махс.* Чўзиқ труба шаклидаги турли асбоблар номи. *Рентген трубкаси. Телевизорнинг электрон-нур трубкаси.* ▬ *-Қўли синганга ҳам трубка қўядими? – деди мураббия Аҳмадга қар*аб. Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ.

3 Телефон аппаратининг эшитиш ва сўзлаш учун хизмат қиладиган қисми. [*Нодиржон*] *Телефон жиринглаши билан чўчиб кетди, апил-тапил трубкани олиб, қулоғига тутди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

4 Бир томони тамаки солинадиган кичик косачага, иккинчи томони муштукка уланган ичи бўш найчадан иборат чекиш асбоби. *Чол эса индамади-ю.. трубкасини чуқур тортиб қўйди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ТРУБОПРОВОД [труба + *р.* проводить – «ўтказмоқ» фл. дан] Узоқ масофага суюқлик, газ ёки қаттиқ материалларни қувурлар орқали етказиб берадиган иншоот ёки иншоотлар мажмуи. *Табиий газнинг дастлабки миллион кубометрлари трубопровод магистралига оқизилмоқда.* Газетадан.

ТРУБОПРОВОДЧИ Трубопровод ўтказувчи, уни таъмирловчи шахс, мутахассис.

ТРУППА [*нем.* Truppe – қисм, бўлинма, гуруҳ] Театр ёки цирк артистлари жамоаси. *Балет труппаси.* ▬ *Ўша вақтда Қўқонга гостролга келган ҳар хил труппалар рус, татар, озарбайжон тилларида спектакллар кўрсатар, от ўйин – цирк томошалари бўлиб турарди.* «ЎТА». *1927 йилда Самарқандда ташкил топган «Кўк кўйлак» труппасига Манас Левиевни ҳам қабул қилдилар.* Газетадан.

ТРУСИ [*р.* труси < *ингл.* trousers – шим] Ичдан кийиладиган кичик иштонча, шундай спорт кийими. *Биз труси, майкаларимизни кийиб келгунча, командамиз саф тортган эди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ТРУСИЧАН Фақат труси кийган, фақат трусида бўлган. *Ичкаридан трусичан, олти ёшлардаги бир бола бурнини тортиб чиқди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

ТРЮМ [*голл.* truim – уй, хона] Кеманинг пастки палубаси билан кема туби, энг ости ўртасидаги, одатда, юкларни қўйиш ва б. мақсадлар учун фойдаланиладиган оралиқ жой. *Хизматга зарур бўлган олти-етти матрос ва машина бўлимидагилардан ташқари ҳамма трюмга қамалди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ТРЮМО [*фр.* trumeau] Деворга тақаб тикка қилиб қўйиладиган катта тошойна.

ТУБ 1 *от* Таг, ост. *Пақирнинг туби. Денгиз туби.* ▬ *Саккиз бульдозер канал тубини ўйиб, машина хартумига қамраб олган тупроқни юқорига суриб чиқарарди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Боғнинг этак томони чуқур жарлик. Унинг тубида.. бир тегирмонча сув қишин-ёзин тўхтамай оқиб ётади.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

Туб жой Ўзи яшайдиган ер, жой; асл ўзига мансуб жой. *Туб жой итидан кўра мусофир итнинг қутургани ёмон бўлади..* А.

Қаҳҳор. Ўтмишдан эртаклар. **Туб кон** Ер ости кони. *Ҳозир биз асосан туб конларни излаб топишимиз керак, назаримда.* С. Кароматов, Олтин қум. **Туб қўймоқ** Асос олиб ўрнашмоқ, барқарор жойлашмоқ. *Бу қишлоқ сувини бир ичган одам, тамом, шу ерда туб қўйиб, илдиз отиб кетмай иложи йўқ.* Ф. Насриддинов, Олтин одамлар. **Туби очилди** *айн.* **таги очилди** *қ.* **таг.** [*Тантибойвачча*] *Биринчидан, ишнинг туби очилишидан ваҳимага тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тубига етмоқ** *айн.* **тагига етмоқ** *қ.* **таг. Қалб (***ёки* **кўнгил, юрак) туби** Қалбнинг энг чуқур, нозик ери. *Шу митингда Мурзин ҳам бор эди. Роса қулоқ солиб тинглади. Қалби тубида қандайдир куч уйғонди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Элмурод унинг ёнида ўтирар ва бу сўнгги кунда унга нимадир дегиси келар, лекин кўнглининг тубида йиғилган гапларини ифодалашга пайт ҳам, сўз ҳам тополмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *от кўчма* Пировард натижа, охироқибат; асос, замир. *Сабр туби — олтин.* Мақол. ▬ *Йўқ, ўртоқ Низомов, биз таваккал қилмаймиз. Таваккалнинг туби — тош, бошингни урсанг — ёрилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бу сўзларнинг тубида жуда катта рашк борлигини сездим.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 Моҳият эътибори билан асосий бўлган; асл, бирламчи. *Ёрдамчи ва шахсий хўжаликларни ривожлантириш кундалик турмушимизнинг туб масалаларидан бўлиб турибди.* «Муштум». *Адиб, ҳаётга фаол муносабатда бўлиш — ёзувчи меҳнатининг туб моҳияти, деб ҳисоблаган.* Газетадан.

4 *тлш.* Қисмларга бўлинмайдиган, ясама бўлмаган. *Туб сўз. Туб терминлар.* ▬ *Содда терминлар ўз ўрни билан иккига бўлинади: туб ва ясама терминлар.* «ЎТА».

ТУБАН 1 Қуйи, паст. *-Хизмат? Ўтиринглар, — аълам тетик, айёр кўзлари билан келувчиларга разм солиб, тубанроқдан жой кўрсатди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Кема тубан оқиб боради, Бўрон уни қирга олади.* Э. Раҳим. *Қулмуроднинг бу сўзларини эшитган Шокир қизариб-бўзариб кетди ва нима дейишини билмасдан, бошини тубан солди.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Мавқеи, хислатлари, сифати ва ш.к. жиҳатидан қуйи даражали; паст, арзимас. *Тубан одам.* ▬ *Ақлга келганда, мулла Султонқулдан анча пастда, тегирмончидан эса жуда ҳам тубан туради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ҳаёт оқимидан сокин, унинг талабидан тубан яшаш ўқитувчини беобрў ва беқадр қилади.* Р. Усмонов, Одобнома.

3 *кўчма* Ҳаёт, ахлоқ талаби нуқтаи назаридан ёмон, ярамас. *У* [*Фазлиддин*] *яқинда яна ичиб келиб, онасини энг тубан ҳақоратлар билан тупроққа қориб ташлади.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Гиёҳвандликнинг қандай қилмишларга сабаб бўлиши, фоҳишабозликнинг нақадар жирканч, тубан эканлигини яширмай-нетмай кўрсатмоқдамиз.* Газетадан. *Бошқа илож қолмагач, она энг тубан ва жирканч бир «ҳунар»га тутинди; дўкондорларга, мулкдорларга, бадавлат одамларга янада зиёда давлат тилаб, хайр-садақа сўрай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУБАНДА *рвш.* Қуйида, пастда. *Бу ҳақда тубанда сўз боради. Тубанда келтирилган мисоллар.* ▬ *Шунинг учун биз, аёллар бундай кишиларга тегишли чора кўрилишини талаб этамиз, деб тубанда қўл қўювчилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУБАНДАГИ Қуйида айтилган, зикр қилинган, кўрсатилган, қуйидаги. *Тубандаги фактлар (рақамлар).*

ТУБАНЛАШМОҚ 1 *кам қўлл.* Пастлашмоқ, пастроқ тушмоқ. *Булутлар тубанлашиб, дарахт чўққиларини қоплади.*

2 *кўчма* Пастлашмоқ, разиллашмоқ, тубанликка, разолатга юз тутмоқ.

ТУБАНЛИК 1 Паст ҳолатга эгалик, паст эканлик. *Содиқ қўлидаги ханжарини бир-икки қайта солиб кўрса ҳам, тегдириш учун кесманинг тубанлиги халал берди, лекин ўзи тетик эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Тубан шахсга хос ҳолат-хусусият; тубан хатти-ҳаракат, разолат. *Илғорлик билан қолоқлик, самимийлик билан ҳасад, олийжаноблик билан тубанлик.. тўқнашади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Аёл кишига қўл кўтариш — ожизлик белгиси, тубанлик — маданиятсизлик белгиси.* Газетадан.

Тубанликка бормоқ (*ёки* **кетмоқ**) Тубан ҳолат, хусусият касб этмоқ; тубанлашмоқ. *Пасткаш ишлар билан шуғулланадиган кимсалар.. шундай тубанликка бориб, кишиларни алдайди, қаллоблик қилади..* Мирмуҳсин, Умид. *Иззат-ҳурмат кўрган одамни таҳқирласанг, тубанликка кетасан.* Газетадан.

ТУБДАН *рвш.* Бутунлай, тубли равишда, таг-туги билан, жиддий равишда. *Аҳвол тубдан ўзгарди. Иш тубдан қайта қурилди.* ▬ *Делегатлар асосий эътиборни.. пахтачиликни ривожлантиришга, бунинг учун кишилар билан ишлашни тубдан яхшилашга қаратдилар.* Газетадан. *Умида ундан кўп марталаб эшитган бу гапнинг даҳшатини эндигина тубдан пайқади.* А. Мухтор, Чинор.

ТУБЕРКУЛЁЗ [*лот.* tuberculum — шиш, ғудда, дўмбоқ] *қ.* **сил.**

ТУБЛИ 1 Туби, таги бўлган, тагли. *Чуқур тубли дарё. Пачақ тубли пақир.*

2 *кўчма* Чуқур асосга эга бўлган, асосли. *Маҳмуд Нурининг гапига мундоқ разм солиб қараса, анча тубли.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Навоий катта куч: у сиёсатни тубли билади. Ақлга бой, ҳам эл-улус орасида обрўси баланд.* Ойбек, Навоий. *Ўтган йили.. пахтачиликни комплекс механизациялаш ишида тубли бурилиш ясалди.* Газетадан.

ТУБСИЗ 1 Таги, туби бўлмаган, тагсиз. *Тубсиз пақир.*

2 *кўчма* Тагига етиб бўлмайдиган, жуда чуқур; чек-чегараси йўқ. *Тубсиз жарлик.* ▬ *Одамлар юрагини ўрганиш — гўё поёнсиз осмон, тубсиз денгиз сирларини ўрганишдек мушкул.* Ё. Шукуров, Халқ билан ҳамнафас. *Тикилганинг сари чексиз ва тубсиз туюлувчи осмон оламни ўз домига тортиб кетаётгандек бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Очил яна тубсиз ўйлар гирдобида қолди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТУБСИЗЛИК Тагига етиб бўлмайдиган, жуда чуқур жой. *Довулнинг ёвузлигини олқишлаётган бўрон эса, кемаларга ҳар икки қанотдан ҳужум қилар, шер ўмровли йиртқич тўлқинларни дам олддан, дам ортдан келтириб урар, тубсизлик қаърига ғарқ қилмоқчи бўларди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТУВАК 1 Бешикка беланган боланинг сийдик ва ахлати тушадиган бешик асбоби.

2 Конус шаклидаги сопол идиш. *Гул тувак.* ▬ *Дераза ёнидаги катта тувакда самбитгул кўм-кўк бўлиб яшнаб турибди.* С. Зуннунова, Янги директор.

3 Итга овқат бериладиган идиш.

Итининг туваги олтиндан *қ.* **ит.**

ТУВАКЛИ Тувакка экиладиган, экилган, тувакда ўсган. *Чиройли гиламлар, турли ҳайкаллар.. тувакли гуллар билан безатилган кабинетдан сира-сира айрилгилари келмайди.* «Муштум».

ТУВАЛАР, тивалар Россия Федерациясидаги Тува (Тива) Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган халқ. *Тива халқи.*

ТУВАЛОҚ Тувдоқлар туркумига мансуб, ов қилинадиган, гўшти мазали йирик қуш; тувдоқ. *Тувалоқ овлаш. Кўлда юрган қўнғир ғоз чўл қадрини не билур, Чўлда юрган тувалоқ кўл қадрини не билур?* Мақол. ▬ *Какликдан ташқари, қирғовул, тувалоқ ва шу каби паррандалар ҳам овчиларнинг кўзини ўйнатган.* «Фан ва турмуш».

Йўрға тувалоқ Тувалоқларнинг бир тури. *Ҳу ана.. иссиқда мудраётган чўлга файз киритиб, оққушникидай чиройли бўйнини ғоз тутганча йўрға тувалоқ йўрғалайди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

ТУВДОҚ *айн.* **тувалоқ.**

ТУВОҚ Қозоннинг қопқоғи. *Мис қозонга лой тувоқ.* Мақол. ▬ *Тувоғи йўқ қозон, унинг ёнида бир ўғир, битта кув турибди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ферузанинг ўчоғида яна олов. Тувоғи ёпиқ декчадан буғ кўтарилади.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

ТУВЧА *шв.* Бир-икки ёшли эчки. *Эчкинними, тувчасинними сотиб, пулига озроқ дон олсакмикан, болам..* С. Исҳоқов, Олам гўзал.

ТУГАЛ 1 Битган, чала ери йўқ, охирига, поёнига етказилган. *Тугал иш. Тугал асар.* ▬ *Энди билишимча, биз ўша даврларда ўйнаган нарсаларимиз ҳали тугал бўлмаган, анча ғўр асарлар эди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Элмурод биринчи куни беш вақт намозни тугал ўқиди. Иккинчи куни учтасини ўқиб, иккитасини қазо қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Она, тугал ёзишдан қаламим ожиз.* Ғайратий.

2 Тўла-тўкис, бекам-кўст; тўлиқ, бут. *Тугал фикр. Тугал жумла.* ▬ *Икки пуд буғдой билан беш пуд шоли бериб қутулмоқчи бўлибди. Жаниш бўлса, тугал берасан, деб туриб олибди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Домлангизни шундоқ катта профессор қилиб, обрў, уй-жойларимиз тугал бўлганда, шуларни ташлаб кетиб қоламанми, деб қўрқаман.* Мирмуҳсин, Умид.

Тўрт кўз тугал Ҳамма жам ҳолда, биргаликда. [*Чўпон:*] *Қўй, мол кетса кетсин, бош соғ бўлса, топармиз. Қўй, тўрт кўз тугал йўл олганимиз анча ғаниматдир.* Ҳамза,

Майсаранинг иши. *Вақти билан тўрт кўз тугал бўламиз.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТУГАЛЛАМА *ад.* Сюжетнинг ечимдан кейин келадиган ва персонажларнинг охирги тақдири ҳақида ҳикоя қилинадиган хотима қисми.

ТУГАЛЛАМОҚ 1 Охирига, якунига етказмоқ, битирмоқ, тугатмоқ. *Ишни тугалламоқ. Қурилишни тугалламоқ. Чигит экишни энг қулай агротехник муддатларда тугалламоқ.* ▬ *Институтни тугаллаганида, у* [*Умид*] *рус тилида аъло, тўкис гаплашарди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Истеъмол, сарф билан тамом қилмоқ; тугатмоқ. *Пулини тугалламоқ. Ҳамма нарсасини тугалламоқ.*

ТУГАЛЛИК Тугал ҳолатдалик, тугал ҳолатга эгалик. *Фикрнинг тугаллиги. Асарнинг тугаллиги.* ▬ *Ўзбек мусиқасида кўп жанр ва шакллар мавжуд. Хусусан, мусиқий достонлар — мақомлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мақомлардаги мукаммаллик, тугалликни айтмайсизми!* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТУГАЛМОҚ *айн.* **тугамоқ.** *Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишки сариқ кийимини кийган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Вақтсиз тугалди бебаҳо умринг.* Ғайратий.

ТУГАМОҚ 1 Охирига, ниҳоясига етмоқ, тамом бўлмоқ. *Савол-жавоб тугади. Мажлис тугади. Чопиқ тугади.* ▬ *Ўқиш тугармиди? Ўла-ўлгунча ўқиш керак.* Уйғун, Навбаҳор. *Ўзбек ойимнинг гапи тугамасдан, Кумуш яна жомга интилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Вой, иш ўлсин, уй иши тугайдими?* С. Зуннунова, Янги директор. *Сафар тугаб, қайтиш вақти ҳам етиб келди.* Н. Орифжонов, Шонли авлод. *Бомдод намози тугаган шекилли, тўп-тўп одам кела бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ўтиб кетмоқ, ўтмоқ. *Қиш тугади. Вақт тугади.* ▬ *Октябрь ойи ҳам тугади, ўрик япроқлари совуқда ўйнаган ёш боланинг лўппи юзидай қизарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ишлатилиб, сарфланиб тамом бўлмоқ. *Қудуқнинг суви тугади. Овқат тугади. Кучқуввати тугади. Давлат тугар, билим тугамас.* Мақол. ▬ *Корсондаги қимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаш-паш дегунча дастурхондаги бурда нонлар тугаб, болалар дарвоза томон чопишди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Аҳмад чўнтагини титкилаб кўрса, сигарети тугабди..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 Якун топмоқ, тамом бўлмоқ, ўтмоқ (вақт, муддат, макон ва ш.к. ҳақида). *Вақтим тугади. Ёзги таътил тугади.* ▬ *Сумбула тугаб, куз бошланаётган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Биринчи смена тугай деб қолганда, Саодатхон райондан қайтди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Сайҳонлик тугаб, туташ боғлар кўринди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Йўл тугар-у уйига кирар Қиз зангори эшикни очиб.* Х. Даврон.

5 Бирор натижа билан якунланмоқ, натижаланмоқ. *Хўш, чекиш нима билан тугайди?* Газетадан. *Искандаровнинг биринчи муомаласиданоқ Ёдгор иш яхшилик билан тугамаслигига ақли етди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ишнинг яхши бошланиши унинг муваффақиятли тугашидан далолат беради.* Газетадан.

6 Барҳам топмоқ, йўқ бўлмоқ. *Саводсизлик тугади.* ▬ *Олдинги арава харсанг ётқизилган йўлдан тупроқ йўлга ўтиб, қалдираш тугагач, аравакаш орқасига — Меъморга қараб қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

7 *кўчма* Сафдан чиқмоқ, тамом бўлмоқ, ўлмоқ. *Эримбет кўкрагини чангаллаб турарди: «Мана энди Жапақ тугади! Мунча секин юради бу?»* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ТУГАНАК Ўсимлик илдизпоясининг ер остидаги йўғонлашган қисми; илдизмевали ўсимликларнинг ҳосили, тугунак. *Картошка, аслида, ўсимлик ер ости новдасининг ўсиб, катталашган туганагидир.* «Фан ва турмуш». *..рўяннинг туганакларида ҳосил бўлган кислота тошни эритиш қобилиятига эга.* Газетадан.

ТУГАНМАС Сира ҳам тугамайдиган, битмас-туганмас. *Туганмас бойлик.* ▬ *Ўйлаб турсам, сув асло туганмас куч экан.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Дунёда туганмас, ўзгармас нарса йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..жаҳонга таралган шуҳрати.. туганмас ғайрат ва шижоатларининг сир-асрори нимада экан?* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТУГАТМОҚ 1 Тугамоқ фл. орт. н. *Ишни тугатмоқ. Камчиликларни тугатмоқ. Саводсизликни тугатмоқ.* ▬ *Домла сабоқни тугатиб, энди ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турганда, Ғуломжон савол бериб қолди.* М. Ис-

моилий, Фарғона т. о. *Мадамин салкам бир лаган ошни бир неча олишда тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кумушбиби хатни ўқиб тугатди-да, югурганича уйига кириб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Маълум муддатли иш, фаолият жараёнини ижобий натижа билан якунламоқ; тамом қилмоқ. *Юрагимиз ҳамоҳанг, мақсадимиз бир бўлганидан олий ўқув юртини тугатишимиз билан тўйимиз ҳам бўлди.* «Муштум».

3 Ишини, фаолиятини тўхтатиб, йўқ қилмоқ. *Артелни тугатмоқ.* ▬ *Табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч чора кўрилди.* Газетадан. *Шарқий Бухорода Анвар бандасини тугатишда қатнашиб қайтган бир аскар уйига келиб қараса..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ишини тугатмоқ Саранжом қилмоқ, йўқ қилмоқ; ўлдирмоқ. *Ботир яна абжирлик қилиб, унинг белига қилич солиб, ишини тугатибди.* «Чалпак ёққан кун».

ТУГМА 1 Кийим, ғилоф ва ш.к. нинг четига қадаладиган, одатда тўгарак шаклидаги тутқич. *Садаф тугма. Кўйлак тугмаси. Тугма қадамоқ.* ▬ *Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳоким формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елпинишга тутинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кийимга қадаладиган тугма тез узилиб кетмасин десангиз, уни шамга ишқаб олинган ипда тикинг.* Газетадан.

2 Улагич кнопка. *Қудрат қўнғироқ тугмасини босди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Саттор лифтнинг пастга олиб тушадиган тугмасини босмоқчи эди..* П. Қодиров, Эрк. *Ҳамшира чиқиб кетгач, Аҳмедов столининг бурчагидаги тугмасини босди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ТУГМАГУЛ *айн.* **тугмачагул.**

ТУГМАДОР Кўп тугма қадалган; сертугма. *Биринчисининг устида зарбоф чопон, белини олтин камар билан боғлаган, бошқаси эса оддий тугмадор камзул, бошига попоқ, оёғига қўпол сағри этик кийган эди.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

ТУГМАЛАМОҚ Кийим, ғилоф ва ш.к. нинг тугмасини солмоқ, қадамоқ. *Кўйлакнинг ёқасини тугмалаб олмоқ. Ёстиқ жилдини тугмаламоқ.* ▬ [*Тоғача*] *Ҳамиша ёқаси тугмаланган яшил китель, чўнтагидан пасти қизил ҳошияли кўк галифе шим, қизил чарм этик кийиб юради.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ТУГМАЛИ Тугмаси бор, тугма қадаладиган. *Атлас кўйлак энини Тугмали қил енгини.* «Қўшиқлар».

ТУГМАЧА Кичкина тугма. *Садаф тугмача. Кўйлак тугмачаси.* ▬ *Кўчада ётган эски тақа, занглаган мих, тугмача, шунга ўхшаш бало-баттарга кўзи тушса, дарров олар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУГМАЧАГУЛ *бот.* **1** Ёввойи гулхайри ва унинг гули.

2 Майда оқ гулли ўтсимон манзарали ўсимлик ва унинг ҳидсиз гули.

ТУГМАЧАДАЙ, -дек Кичкинагина; бежиримгина. *Тугмачадай қиз.* ▬ *Какликнинг қип-қизил тугмачадек кўзлари жавдирарди-ю, ҳеч нарсани кўрмасди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТУГМОҚ 1 Тугун солмоқ; тугун солиб уламоқ, боғламоқ. *Рўмолнинг учини тугмоқ. Ипнинг икки учини тугиб боғламоқ.* ▬ *Сочин тугиб, саллани ўрай берди бошига.* «Ойсулув».

2 (*ж. к. билан*) Ўраб боғламоқ, бўғчаламоқ; ўраб, тугун солиб жойламоқ. *Дастурхонга нон тугмоқ. Белга* (*белбоққа*) *пул тугмоқ.* ▬ *Кейин сандиқни очиб, бисотидан бир кийимлик чит олди-да, баркашнинг устига қўйиб, дастурхонга тугди.* Т. Алимов, Совға. *Нодир индамай ўрнидан турди. Ойиси рўмолчага нон, мева-чева тугди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

3 Четларини ёпиштириб ясамоқ, тайёрламоқ (чучвара, сомса ва ш.к. ни). *Манти тугмоқ. Сомса тугмоқ.* ▬ *Дугоналар иш билан банд бўлишди: бири патир ясади, бири сомса тугди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Гўшти, хамири тайёр, мантини ўзингиз тугиб юборинг, иним, чаққонсиз, ҳар ишга қўлингиз келиша қолади.* Ойбек, Улуғ йўл. *Келин шундай митти чучвара тугадики, унинг тўрттаси битта қошиққа сиғади.* Газетадан.

Муштини тугмоқ Бармоқлари учини кафт ичига олмоқ, кафт ичида бирлаштирмоқ. *Худди бокс тушадигандай муштини тугиб, тирсагини чиқариб, семиз гавдасини полвонларча лапанглатиб юради.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *-Бари бир топажакман! — муштини тугиб, осмонга ўқталди Эшжон.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 *кўчма* Йиғмоқ, тўплаб ғамламоқ. *Топганини тугади.* ▬ *Аёллар кўз ёши тўкиб, бу хонадонда ҳамма нарса бор, фақат тўй етишмади, боёқиш йиғди, тугди, эссиз, келин кўрмай кетди, деб афсусланишган эди.* С. Нуров, Нарвон. *Топганимни шунга тугиб қўйиб, ўзим бола-чақа билан пўстакнинг жунини ейман.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

5 *бот.* Ҳосил нишонасини бермоқ, мева солмоқ. *Олча ғуж-ғуж тугибди.* ▬ *Бу вақт кўклам келиб, ҳамма ёқни яшил либос билан безаган, гуллар ғунча тугиб, ариқчаларда сувлар ҳайқириб оққан, дов-дарахтлар томирига жон кирган пайт.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бу орада дарахтлар гуллаб, мева туга бошлади.* С. Нуров, Нарвон.

Думини тугмоқ *қ.* **дум.** *Шундан кейин қурилиш раҳбарлари уларнинг думларини тугиб, «униси бўлмаса, буниси», деб яна бошқа шунга ўхшаш кишиларни таваккал қилиб ишга олиша беради.* «Муштум». **Кўнгилга (***ёки* **дилга, қалбга, юракка, кўкракка) тугмоқ** 1) кўнгилда сақламоқ, ёдда тутмоқ; унутмай йиғиб юрмоқ. *Кўнглимга тугиб юрган гапларимни бугун сиз билан очиқ гаплашмоқчи эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У ҳамқишлоқ дугоналарининг энг ширин тилакларини, энг азиз туйғуларини дилига тугиб, ардоқлаб бормоқда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; *Улуғ ишга бўлсин деб ҳисса, Қалбга тугиб иштиёқ, ҳавас..* Сайёр. *Ўтар бобонинг кўпдан бери кўнглига тугиб юрган бир нияти бор эди.* С. Сиёев, Аваз. *Кўкрагига туккан нияти менга маълум, Йўлчибой!* Ойбек, Танланган асарлар. *Бунинг устига уста мутахассислар ҳузурига юрагига тугиб қўйган бир фикрни айтиб, маслаҳат олиш учун ҳам борган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) ният қилмоқ. *У* [*Ҳайдар*] *Анорхонга нимадир совға қилишни кўнглига тугиб қўйган.* И. Раҳим, Ихлос. *«Энди Раззоқвойнинг бошини иккита қилиб қўйсак ҳам бўларди», деб орзу қилди чол ва ўғли билан бу ҳақда бафуржа гаплашишни дилига тугиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТУГРИК [*мўғ.* тўгрўк – доира, тўгарак] Мўғулистон (Монголия) нинг асосий пул бирлиги.

ТУГУК Тугилган, тугиб қўйилган. *Учи тугук арқон.* ▬ *Дарёда юзган қайиқми! Сенинг белбоғинг тугукми?* Пўлкан, Ҳасан батрак. *Одам қадри магар буюкдан-буюк, Лекин қай дилларда маломат тугук.* А. Орипов.

ТУГУКЛИК *айн.* **тугук.** *Бу одамнинг белида гавҳар тугуклик бўлса керак.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Уларнинг сўзи шу ерга етганда, рўмолда тугуклик бир нарса кўтарган ҳолда, Сайфи кириб келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУГУЛ *инкор-таъкид юкл.* Нарса, кимсанигина эмас, балки..; у ёқда турсин, ҳатто.. *Сендан молим тугул, жонимни ҳам аямайман.* ▬ *Яроқ тугул, йўқ қўлингда таёғинг.* «Нигор ва Замон». *Кунлар исиб, дарё тугул, денгизнинг ҳам таъсири бўлмай қолди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Жон шунақа ширин нарсаки, ошна-оғайни тугул, ота-онадан тондиради!* Шуҳрат, Олтин зангламас.

ТУГУН 1 Арқон, ип, лента ва ш.к. нарсаларнинг боғлаб уланган, тугилган жойи. *Арқоннинг тугунини ечмоқ. Ипнинг учига тугун солмоқ. Ботинканинг ипига тугун тушиб қолибди. Галстукнинг тугуни чиройли чиқибди.* ▬ *Узилган ип қайта уланса ҳам, тугуни қолади. Юрак ип эмаски, қайта уланса.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз. *Костюмни ечиб, кўрпачага ташладим, галстукнинг тугунини бўшатдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ўраб, бўғчалаб боғланган нарса; бўғча. *Адолат бошидаги тугунни, орқасидаги қопчиғини ерга қўйиб, Шакархонга қаради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Узоқда, сийрак дарахтлар билан қопланган қияликда қоп ва тугунлар орқалаган икки аёл ва бир чолнинг қораси кўриниб қолди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қамбарали ака тугунни ечди, бир даста нуқул юз сўмлик пулни кўриб, кайфи учиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *кўчма* Киши тана аъзосида ёки бошқа нарсада ҳосил бўлган тугунга ўхшаш нарса (*қ.* **тугун 1**). *Дарё қисқичбақасининг нерв системасида, чувалчангдаги сингари, йирик ҳалқум устки тугуни бўлади.* «Зоология». *Нерв тугунлари – ўзаро бириккан нейрон таначаларининг тўпламидир.* «Одамнинг анатомияси ва физиологияси».

4 *кўчма* Умуман, ҳал этилмай, очилмай, ечилмай, «тугун ҳолда» бўлган нарса. -*Мунозаралар вақтида кўп мушкул тугунлар очилиб, ноаниқ масалалар ҳал этилгай, – деди аллома бошини кўтариб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Менинг хавотир олган жойим*

шуки.. бу воқеалар тугуни бир калладан чиққанга ўхшайди.. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Акбаров, Эшонбоев, Ҳакимов муаммоси кўнглида тугун бўлиб турар эди, энди бунга Гавҳар орқали Тошев муаммоси ҳам қўшилиб, тугун янада чигаллашди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Тугун оши *дин.* Одатда, худойига қилинадиган чучварали угра оши, суюқ ош. **Хом тугун** *этн.* Қизни йигитга унаштириш учун биринчи марта олиб бориладиган нарса-совғалар.

5 *ад.* Бадиий асарда воқеанинг ривожлана бошлашига сабаб бўлган воқеа, ҳодиса. *Келинг, арқонни узун ташлаб, сабрга эрк берайлик яна. Зотан, ҳар бир асарнинг тугуни билан бирга ечими ҳам бор-ку?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ойқизнинг психологик ҳолати роман марказида турган муҳим тугунки, унинг ечими учун Ойқиз типидаги.. бошқа бир шахс.. иштироки талаб қилинарди.* «ЎТА».

ТУГУНАК *қ.* **туганак**.

ТУГУН-ТЕРСАК Ҳар турли катта-кичик тугун, бўғча. *Тугун-терсак кўтарган хотинлар.*

Кўтар тугун-терсагингни Лаш-лушларингни йиғиштириб жўнаб қол.

ТУГУНЧА 1 Тугун с. кичр. *Улар боққа чиқиб, тўкилган ёнғоқларни териб турганда, Жонузоқ оқсоқол қайтиб келди. Унинг қўлида кичкина тугунча бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Аҳмад*] *Ҳар бир эшитган нарсасини билиб олишга интилганидан, унинг сийрак қошлари ўртасида тугунча ҳосил бўлган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бу ҳолатни тўйиб кўрдим-да, Ечиб солдим дил тугунчасин.* Сайёр.

2 *бот.* Гулда уруғчининг остки қисми, уруғдон (чанглангандан кейин мева, унинг ичида уруғ ҳосил бўлади). *Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиб, катта майдонларда ҳосил тугунчаларининг кўпайишига эришиш мумкин эди.* Газетадан.

ТУГУНЧАК *кам қўлл. айн.* **тугунча.** *Хўжайин тугунчакни ечиб, дераза томонга ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нури юпқа, енгил рўмол учидаги тугунчакни ечиб, букланган қоғоз чиқарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУГУНЧАЛАМОҚ Тугунча ҳосил қилмоқ (*қ.* **тугунча 2**). *Агар ғўзамиз яна икки сув ичса, бас. Пахтамиз яхши тугунчалаяпти.* Газетадан.

ТУГУНЧИ «Фалончи» сўзи билан бирга қўлланиб, номаълум (кимлиги аниқ бўлмаган) шахсга ишора қилади. *..фалончи бундай деган, тугунчи ундай деган, деб кўпгина содда кишиларни йўлдан уришарди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ТУДОҚ *с. т.* Тувдоқ, тувалоқ.

ТУЁҚ 1 Баъзи сутэмизувчи ҳайвонларнинг оёқ учидаги, шохсимон моддадан тузилган таянч қисми. *Отнинг туёғи. Туёқ товушлари.* ▬ *Лойи кўпириб ётган йўлда от тақалари, мол туёқларидан ҳосил бўлган чуқурчаларни лиммо-лим тўлдирган сарғиш зардоблар жимирлаб, ёни-веридан сирқиб ётарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *От, эшак, мол туёқларининг тапир-тупури босилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма с. т.* Уй ҳайвони, мол. *Николай замонида остонам туёқ кўрмаган.* Ойбек, О. в. шабадалар. Ч*орвам бор десам дегундай.. бу йил яна туёқ сотиб олдик.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Бош (молларнинг сони ҳақида). *Чорва туёғи кўпайди, молларнинг наслини яхшилаш, қишловга пухта тайёргарлик кўриш масаласида ҳам анчагина ишлар қилинди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

4 *кўчма* Зурриёт, тирноқ. *Сиз ҳурматлиларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган туёғимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз.. фақат шул Отабекдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Туёғингни шиқиллат Жўнаб қол, кет. *Қани, туёғингизни шиқиллатиб қолинг!* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Ҳўкизнинг шохига урса, туёғи зирқирайди** Кимсага айтилган қаттиқ гап унинг яқинларига ҳам тегади.

ТУЁҚЛИ Туёғи бўлган. *Айри туёқли ҳайвонлар. Тоқ туёқлилар. Жуфт туёқлилар.*

ТУЖЖОР [*а.* تجّار – «тожир» с. нинг кўпл.: савдогарлар, тижоратчилар] *эск. кт.* Савдогар. *Гўё дунёдаги жами бозорлар Шаҳристонга кўчиб келган-у, аҳли тужжорлар молини пулга чақишга ошиқарди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Аъло ҳамкасбларимиз ичидан.. қилни қирқ ёрадиган тужжорлар етишиб чиқди.* Газетадан.

ТУЖУРКА [*р.* < *фр.* toujours – доимо, ҳамиша: кундалик кийим] Одатда икки бортли эркакча устки калта кийим; калта

куртка. *Сергей наган осиғлиқ йўғон камарини тужуркаси устидан тортиб боғлаётганда, кўча томондан бир аёл, бир эркак товуши эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТУЗ I **1** *ким.* Молекулалари таркибига кислота қолдиғи билан боғланган металл атомлари кирган мураккаб моддалар. *Туз организмнинг тузилиши учун, унда модда алмашинишининг тўғри бориши учун зарурдир.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Тупроқ шўрланиши жараёнида кўпроқ хлор ва сулфат тузлари тўпланади.* «Фан ва турмуш».

2 Шу бирикманинг овқат учун ишлатиладиган бир тури (натрий хлорид). *Ош тузи. Қоратикан туз. Майда туз. Йирик туз. Ошга туз солмоқ. Таом — туз билан, туз — ўлчови билан.* Мақол. ▬ *Хосият хола олови анча пасайиб қолган ўчоқ ёнига бориб, тувоқни кўтарди-да, ошнинг таъмини кўриб, бир чимдим туз ташлади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ёрни гўзал дема, оқил сўзи бўлмаса, Тотли бўлмас таом, агар тузи бўлмаса.* Ё. Мирзо.

Тузини кўрмоқ 1) намагини чучмал, расо ёки шўр эканлигини билиш мақсадида тотиб кўрмоқ. *Шўрванинг тузини кўрмоқ;* 2) *кўчма* емоқ, тотмоқ. *Кечаги ошнинг тузини ҳам кўрмадим.* **Ярасига туз сепмоқ** *қ.* **сепмоқ**. *Шерали унинг ярасига туз сепмаслик учун гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Умуман, овқат, егулик-ичгулик нарса. *Жазирама кунларда тонг саҳардан кечқурун қоронғи тушгунча туз тотмай оч юриш кўп одамнинг силласини қуритарди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Чой ичмадим, ичимга туз ҳам кирмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Кимсанинг бошқа одамга берган, едирган-ичирган (еган-ичган) овқати. *Туз бермоқ. Тузини емоқ (ичмоқ).* ▬ *Босган отасин юзини, Андиша қилмай тузини.* «Эрали ва Шерали». *Йўқ, тузим, ноним сени қутуртирган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен сизга уй бердим, вақтида туз бердим, пешонангизни силадим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шу кампирнинг.. тузини кўп едик.* «Равшан». *Хўш, нима бўпти? Ахир туз ичган жойингнинг фарзанди-ку. «Бир кун туз ичган ерга қирқ кун салом», деганлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Туз(им) кўр қилгур *қарғ.* Нонкўрлик қилган кишига қарата айтиладиган ибора. *Одамгарчиликни ҳам билмади бу туз кўр қилгур!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Туз ялаб** Ҳеч нарса емай-ичмай, қоринни жуда-жуда очқатиб, оч ҳолда. *Хатиб домла панжшанба кунидан туз ялаб, зиёфатга боришга ҳозирланади.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Тузини ичиб, тузлуғига тупламоқ (***ёки* **тупурмоқ)** Нонкўрлик қилмоқ, нонтепкилик қилмоқ, яхшиликка ёмонлик қайтармоқ. *Сендақа, ҳукуматнинг тузини ичиб, тузлуғига туплайдиган нонтепки керак эмас.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Тузини оқламоқ (***ёки* **ҳалолламоқ)** Кимсанинг берган ош-тузи, боққани, парвариш қилгани зое кетмаганини исбот қилмоқ, яхшиликка яхшилик қайтармоқ. *Сенга мен камтарин фарзанд эрурман.. Улуғ бурчим — тузингни оқламоқдур.* Ҳабибий. **Тузини тотмоқ** 1) *айн.* **тузини кўрмоқ 1** *қ.* **туз** I **2**; 2) мазасини кўрмоқ, таъмини тотмоқ. *Ўзинг ҳам қаландар нонининг тузини тотиб қол.* С. Айний, Қуллар.

5 *кўчма* Мантиқ, маъно, мазмун. *Эси бор билади гапнинг тузини.* «Алпомиш». *Ийиийи, бу ойимчанинг гапида туз борми ўзи?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сўзингда туз бор. Нафсиламрда, фашист баччағар жуда беинсоф..* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТУЗ II **1** Текис ер, кенг текислик. *Туганмас конимиздир тоғ билан туз.* Ҳабибий. *Йўл юрамиз қумлоқ, сувсиз тузларга..* «Ҳасанхон».

2 Фойдаланилмай ётган ер, бўз ер, қўриқ. *На қилт этган бир шамол, На уйғоқдир дала, туз.* Шуҳрат.

ТУЗ III [*р*] *карт.* **1** Ўйин турига қараб энг катта ёки бир очко (бир хол) қийматга эга бўладиган карта. *Кузир туз. Ғиштин туз. Валетни туз билан босмоқ.*

2 *(эгалик аффикси билан) кўчма* Бирор нарсанинг энг сараси, энг юқори даражалиси, олий мақомлиси. *Аёллар орасида суҳбатнинг «туз»и қурилиш эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Мен айтмоқчиманки, тўртала тузнинг ҳаммаси ўзингизда.* А. Мухтор, Туғилиш.

ТУЗАКЛИ Саранжом-саришта қилинган, тузалган, тузатилган, безатилган. *Тузакли уй. Тузакли дастурхон.*

ТУЗАКСИЗ Саранжом-саришта қилинмаган, тузалмаган, тузатилмаган, безатил-

маган. *Ғуломжон Ҳаётнинг безаксиз, тузаксиз ҳам тароватли, ҳароратли юзини кўриб, бир хил бўлиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУЗАЛМОҚ I **1** Касалликдан, хасталикдан халос бўлмоқ, соғаймоқ, шифо топмоқ. *Бемор тузалди. У курортдан анча тузалиб қайтди.* ▬ [*Қурбон ота*] *Касалхонада яқин икки ой ётиб, оёқлари тузалди, ўзи жуда тетикланди.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Дорим билан тузалиб кетганлар мени «доктор опа» деб эслари кетишади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Битиб кетмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ (яра, чипқон, жароҳат ва ш.к. ҳақида). *Ярам тузалиб қолди. Тиғ яраси тузалар, тил яраси тузалмас.* Мақол. ▬ *То яра тузалгунча, у эрка ва иззатли меҳмон..* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Бузуқ ҳолдан фойдаланишга, ишлатиш учун яроқли ҳолга келмоқ. *Кўчадан жуда тўйдим, Қачон тузалар экан.* «Муштум». *Сиз ҳам нонуштани машина тузалгандан кейин қиласиз!* «Муштум».

4 Камчиликлари, нуқсонлари бартараф этилиб, тўғри, дуруст бўлиб қолмоқ, яхшиланмоқ. *Аҳвол тузалди. Тузалмас хато.* ▬ *Абдураҳмон.. яна икки йил мадрасада туриб, шу тузалган ахлоқини «камолотга» эриштирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Эрлар билан меҳнатга Отганлар қулоч. Турмушлари тузалиб, Топганлар ривож.* Ғайратий. *«Ёзувим тузаляпти, мана кўринг», дейман.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

5 Ёмон, нотўғри, ножўя йўлдан қайтмоқ, ахлоқий нуқсондан халос бўлмоқ. *Танқиддан сўнг у анча тузалди.* ▬ *Хўш, у* [*Йўлчи*] *тентакни қутқариб нима қиласан, жиян? У тузалмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз ҳам ёт эркак. Сиз мендан нима кутасиз, маълум; бу ердан қочсам, тузалардим, балки..* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУЗАЛМОҚ II **Тузамоқ 1, 2** фл. мажҳ. н. *Тузалган стол. Тузалган дастурхон.* ▬ *Дастурхончи тузалган бир патнис олиб кириб қўйди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Жой тузалди сизнинг учун, бегижон, Туринг бегим, ичкарига кирамиз.* «Гулихиромон».

ТУЗАМОҚ 1 Патнис, дастурхон, стол ва ш.к. ни ноз-неъматлар билан безамоқ, ясатмоқ. *Бегимхон.. дугонасини кўрпачага ўтқизди-да, патнис тузаб келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Камолиддин махдум.. дастурхон тузашни Асад қорига буюрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қари келса — ошга, ёш келса — ишга. Иккаламиз стол тузар эканмиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2 Саранжом-саришта қилмоқ, шинам қилиб жиҳозламоқ, ясатмоқ. *Ўғлим аъло ўқир деб, Севиб ота-онаси, Атайлаб ўзига хос Тузаб берган бир уйча.* Қ. Муҳаммадий. [*Шералихон отларни*] *Қушдай қилиб тузаб, зар қуббали зумрад эгарни солди.* «Эрали ва Шерали».

Ўзини тузамоқ *шв.* Ўзини тузатмоқ, тартибга солмоқ; шайланмоқ, тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ. *Ҳасан мард буни кўриб, кўзи ёшга тўлиб, жазавалари қўзғалиб, полвонлик томирлари уйғониб, ўзини тузаб тезланаверди.* «Равшан».

3 *шв.* Адо этмоқ, бажармоқ, ўтамоқ. *Бир шартга буюрди ул қоши қаро, Тузамоққа мен Ёвмитга бораман.* «Нигор ва Замон». *Кундан-кун бачалар ишни тузаб, жуда яхши меҳмонхоналар солди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ТУЗАТИНМОҚ Ўзини, усти-бошини, соч-соқолини тартибга солмоқ. *Ҳасанали тузатиниб олди ва ичкарига кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Султонов қабулхонадаги ойнага қараб, тузатиниб олди-да, министр кабинетига кирди.* «Муштум».

ТУЗАТИШ 1 Тузатмоқ фл. ҳар. н. *Камчиликларни тузатиш. Ўзини тузатиш. Юриш-туришини тузатиш.* ▬ *Баъзан у кун бўйи хонасидан чиқмай, тахта қоғоздаги чизиқлар устида ўйлар, чизмаларнинг камкўстини тузатиш билан кунни кеч қилар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Яхшилаш ёки тўғрилаш мақсадида ўзгартириш, ўзгартма, тузатма. *Луғатга илова қилинган тузатишлар. Қарорга киритилган тузатишлар.* ▬ *Хатдан мамнун бўлди шекилли, тузатиш киргизмай, яктак чўнтагига солиб қўйди.* Ойдин, Ҳикоялар.

ТУЗАТМА *айн.* **тузатиш 2.** *Қарорга тузатма киритмоқ.*

ТУЗАТМОҚ 1 Саранжом-саришта қилмоқ, тартибга солмоқ. *Нури хўрсинди, сочларини, ғижим рўмолини тузатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мастура опа ана шу хаёллар билан уйга кириб.. ё тарелканинг ўрнини алмаштирар, ё стулни тузатиб қўярди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда. *Водопровод ўтказамиз, деб қазиб кетишган эди, бир йил бўлди, тузатмайдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бузилган, ишдан чиққан нарсани тикламоқ, фойдаланишга, ишлатишга яроқли ҳолга келтирмоқ. *Кеча бир кампир телевизорни қолдираётиб, тезроқ тузатиб беринглар.. деб илтимос қилган.* Т. Ашуров, Оқ от. *Тегирмони бузилиб кетган экан, тузатди...* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Лоақал ўн беш сўм турадиган қовунни тўрт ярим сўмга сотсин, буни ҳам бировнинг аравасини тузатишга тўласин.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бартараф қилмоқ, тўғриламоқ. *Хатони ўзлари қилиб, тузатишни сиздан талаб қилсалар, инсофданми ахир!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Айбни ўзим қилдим, ўзим тузатишим керак!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Нуқсон-камчиликларни йўқотиб яхшиламоқ, дурустламоқ. *Талаффузни тузатмоқ. Аҳволни тузатмоқ.* ▬ *Кичик бир мастер бўлиб чиқарди отин, Тузатди кундан-кунга рўзғор ҳаётин.* Ғайратий. *Майли, сизлар яшанглар, замонни тузатинглар.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Камчиликни тузатиш мумкин! -Албатта мумкин, Тўлқинжонни ҳам тузатиш мумкин.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

5 Касалликдан, хасталикдан халос қилмоқ, даволамоқ, шифоламоқ, шифо бермоқ, касалини аритиб соғайтирмоқ. *Ибн Синога касалнинг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 *с. т.* Гап билан бопламоқ, қаттиқ изза қилмоқ, уялтирмоқ. *Юзма-юз туриб, Шайхулло домуллани шундай тузатдики, ер ёрилса, кириб кетгудай бўлди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

7 *айн.* **тузамоқ 1.** *Ҳанифа айвоннинг тахмонидаги янги кўрпачаларни хонтахта атрофига ёзди, дастурхон тузатди..* Ҳ. Ғулом, Феруза.

ТУЗДОН 1 Туз солиб, дастурхонга қўйиладиган кичкина идиш.

2 *айн.* **тузлуқ.**

ТУЗИЛИШ 1 Тузилмоқ фл. ҳар. н. *Бу иш юзасидан комиссия тузилиши бежиз эмас.*

2 Таркибий қисмларнинг ўзаро жойланиши; қурилиш таркиби. *Атомнинг тузилиши. Организмнинг тузилиши. Машинанинг тузилиши. Гап тузилиши.* ▬ *Биринчи хатда вергул тушиб қолган, иккинчисининг бир ерида машинистка абзац қўймаган, учинчисида жумла тузилиши ёқмабди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Ташқи ифода, қиёфа. *Гавда тузилиши.* ▬ *Бутун тузилишимнинг, аъзоларимнинг, қонимнинг.. одамларникидан фарқи йўқ-ку!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Сизнинг юз тузилишингизда русникига ўхшамаган нишоналар кўп.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 Тузум. *Бироқ жамият тузилиши ҳамиша шундай адолатсиз бўлиб келганлиги фактдир.* Ойбек, Нур қидириб.

ТУЗИЛМА 1 Бирор нарсанинг ўзаро боғлиқликда (алоқада) бўлган қисмлари бирлиги, шундай қисмлардан иборат яхлит ҳолдаги нарса. *1888 йилда ҳужайра ядросида тузилмалар топилиб, уларга «хромосомалар», яъни рангли таначалар деган ном берилди.* «Фан ва турмуш». *Улар бош мия ва орқа мия ҳамда чакка асаб тузилмаларининг зарарланиши натижасида келиб чиқади.* Н. Ёқубов, Жон.

2 Маълум қисмлар асосида юзага келтирилган, тузилган, ташкил этилган нарса. *..уч юздан ортиқ тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда.* Газетадан. *..шаҳардаги ноорганик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи комбинат ва заводлар билан ўқув-илмий ишлаб чиқариш тузилмасига айланади.* Газетадан. *«Умид» марказининг вужудга келишида Тошкентдаги ўнлаб корхоналарнинг жамоалари, тижорат ва давлат тузилмалари иштирок этди.* Газетадан.

ТУЗЛАМА Умуман, тузлаб тайёрланган нарса, маҳсулот (мас., бодринг, карам, помидор ва б.).

ТУЗЛАМОҚ 1 Туз сепиб қўймоқ, туз сепмоқ, тузга буламоқ. *Гўштни тузламоқ.* ▬ *Катта чипор товуқни тутиб, боғлаб қўй, кечқурун сўйиб бераман, тузлаб қўясан, эрта билан бир шўрва пиширасан.* С. Айний, Қуллар.

2 Туз сепиб ёки намакобга солиб, узоқ вақт бузилмайдиган егулик тайёрламоқ. *Бодринг тузламоқ. Карам тузламоқ.* ▬ *Ошкўклар ва уларнинг илдизлари.. сабзавотларни тузлаш, мариновка қилиш ва консервалашда жуда ҳам бебаҳодир.* Газетадан.

3 *кўчма с. т.* Гап билан бопламоқ, тузатмоқ. *Уларнинг фикрича, кўпни кўрган муғамбир ва пишиқ домла ўқитувчи болани яхшилаб тузламоқда ва дамини қайтариб қўймоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мавли*

Мардиевич телефондаги кишини роса тузлади. «Муштум».

4 *кўчма дағл.* Боплаб алдамоқ, фириб бермоқ, лақиллатмоқ. *Даллол бўлиб, пул топишни кўзлабман, Қўлин силтаб, мол сотганни тузлабман.* О. Қўчқорбеков. *Уни ўзим билан бирга Қашқарга олиб кетаман, йўлда тузлайман.. жазоси бир пиёла шароб..* К. Яшин, Ҳамза.

ТУЗЛИ Ичида ёки таркибида тузи бўлган. *Тузли халта. Тузли минерал сув.*

ТУЗЛУҚ Туз сақланадиган идиш. *Ҳо, Адолат, тузлуқни бер, шакарга жиндек туз сепиб қўяй, жуда ширин бўлиб кетибди!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Тузини еб (*ёки* **ичиб**) **тузлуғига тупурмоқ** *қ.* **туз** I **2**. **Тузлуқ тўрва** 1) *эск.* озиқ-овқат сақланадиган халта; 2) *кўчма* тирикчилик, оилани боқиш, уй-рўзғор ташвиши. *Тузлуқ тўрва бўйнига тушди.* ▬ *Фарзанд туғилади. Ҳикмат ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади, бўйнидаги тузлуқ тўрва яна оғирлашиб, атрофга қарашга ҳам фурсати бўлмай қолади.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ТУЗМОҚ 1 Барпо этмоқ, вужудга келтирмоқ, яратмоқ. *Армия тузмоқ. Комиссия тузмоқ. Жамият тузмоқ. Партия тузмоқ.* ▬ *Темур тузган салтанатнинг ворислиги Шоҳрухдан кейин Иброҳим Султонга ўтишига умид боғлашарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Таркибий қисмлардан яхлит нарса яратмоқ, таркиб этмоқ, тартиб қилмоқ. *Жумла тузмоқ. Рўйхат тузмоқ. Эртанги ишга бугун режа туз.* Мақол. ▬ *Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириктириб, гап тузамиз ва фикримизни баён қиламиз.* «Ўзбек тили» дарслиги.

3 Турли материал, маълумот ва ш.к. ни йиғиб ва маълум тартибда жойлаштириб, яхлит бир ҳолга келтирмоқ; яратмоқ. *Тўплам тузмоқ. Икки тилли луғат тузмоқ. Дарслик тузмоқ.* ▬ *Улар Авазнинг кўҳна, янги ғазалларини тартибга солиб, бир девон тузмоқчи бўлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Расмий равишда келишиб, бирор ҳужжат ёзмоқ. *Далолатнома тузмоқ.* ▬ [*Мирзакаримбой*] *Ўғли Ҳакимбойваччанинг пахта савдоси юзасидан ўрис фирмалари билан яқинда тузган шартномаси устида ўйлаб.. кўзларини яна маҳкамроқ юмди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Иккала ҳукмдор яраш битими тузубдурлар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

5 Уюштирмоқ; қурмоқ, қилмоқ. *Улар юксак оилаларнинг ўғиллари. Уларнинг киссаларида олтин-кумуш мўл. Улар кечалар «ширин суҳбатлар» тузадилар.* Ойбек, Навоий. *Ғалаба муносабати билан Музаффар мирзо катта зиёфат тузди.* Ойбек, Навоий.

6 *кам қўлл. айн.* **тузатмоқ 2.** *Бузилган ишни ботир тузар.* Мақол. *Ота бузса, бола тузар.* Мақол.

7 *айн.* **тузамоқ**. *Элда қолган катталар Тўлғоннинг олдида дастурхонни тузиб, олиб кетиб хизмат қилиб турди.* «Ойсулув». *Эрларга ўхшаб, мундоқ бир оз чақчақлашиб ўтирсангиз нима қилади. Не-не умид билан дастурхон тузган эдим..* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТУЗ-НАМАК 1 Овқатнинг тузланганлик даражаси, тузининг паст-баландлиги. *Овқатнинг туз-намагини ростламоқ. Мантининг туз-намаги бир оз баланд бўлибди.*

2 Умуман, ейиладиган нарса; емиш, овқат, таом. *Лапанглаб югурган мингбоши гузарга аранг етиб келганда, ҳоким тўра аллақачон отдан тушиб, туз-намак қабул қилмоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Туз-намак бўлмоқ Маълум муддат ҳамтовоқ бўлмоқ, топганини кимса билан ўртада баҳам кўрмоқ. *Чўлни яшнатаётган одамлар ёнида бўлиш иштиёқи уни* [*Яйрани*].. *чўлқувар билан туз-намак бўлиб яшашга даъват этди.* С. Акбарий, У ҳаётни севади.

ТУЗ-НАСИБ(А) Гўё тақдирда белгиланган ризқи рўз. насиба. *Билмайман, туз-насиб қаерга тортар, Менда йўқдир, бова, сира ихтиёр.* Фозил Йўлдош ўғли. *Умри узоқ эканми, туз-насиба тортибми, бир оёқда бўлса ҳамки, қайтиб келди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ТУЗОҚ 1 Қуш ёки бошқа овланадиган ҳайвонларни тутиш учун одатда қилдан ясаладиган сиртмоқли мослама. *Тузоқ қўймоқ (қурмоқ).* ▬ [*Сувонжон*] *От думидан эшиб тўқилган тузоқларни каклик келиши эҳтимол топилган ерларга шахмат тартибида ўрнаштирарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Умуман, қўлга тушириш ёки ўзига оғдириш учун кўрилган тадбир ёки ишга солинган восита; дом. *Билмаган ишга уринма, Уриниб тузоққа илинма.* Мақол. ▬

Лекин ўзи лапашанг бўлса ҳам, бало! Қорасувнинг гулдай қизини тузоғига туширган. О. Ёқубов, Излайман. *Жон талвасасида қолган душман Умурзоқ отани тузоққа тушириш йўлига ўтди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [*Солиҳбой:*] *Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди. Ғофирни энди бутунлай ипсиз тузоққа илинтирдим.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Тузоқ қўймоқ 1) қуш тутиш учун тузоқни мослаб, жой-жойига қўймоқ; 2) қўлга киритиш, тушириш чора-тадбирини ишга солмоқ. *Муҳиддин пулга тузоқ қўйиб, энди бошқа шаҳарларга ҳам қатнайдиган бўлиб қолди.* С. Абдуқаҳҳор, Уй остонадан бошланади. *Содда ота, онамизни уриб йўлдан, Бизга тузоқ қўймоқдалар ўнгу сўлдан.* «Муштум». **Тузоққа тушмоқ** (*ёки* **илинмоқ**) 1) тузоққа кирмоқ, банд бўлмоқ (*қ.* **тузоқ 1**). *Тузоқларга бешта каклик тушибди (илинибди)*; 2) домига дучор бўлмоқ (*қ.* **тузоқ 2**). *Фақат Нигора ўзиники бўлса, қўлидан чиқиб кетмаса, унинг тузоғига илиниб қолмаса бас.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТУЗОҚЧИ 1 Тузоқ ясовчи ва тузоқ қўйиб ов қилувчи.

2 *кўчма* Кишиларни тузоғига, домига илинтирувчи. *Домига тушмаган кам, турфа тузоқчи ҳожим, Бермайди қилса насия, судраб, чатоқчи ҳожим.* Муқимий.

ТУЗОҒЛИК Тузаб қўйилган; ясоғлик. *Тузоғлик дастурхон. Тузоғлик стол.* ▬ *Мулозимлар тузоғлик баркашлар, сўйилган қовун ва тарвузлар, турли-туман нозу неъматлар кўтариб келишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУЗСИЗ 1 Тузи йўқ, тузи меъёридан кам, паст. *Тузсиз хамир тандирда турмас.* Мақол.

2 *кўчма* Маъноси, мазмуни йўқ; бемаъни, тутуриқсиз. *Ўзи юзсизнинг сўзи тузсиз.* Мақол. ▬ *Қўйинг тузсиз гапларингизни, сизга ярашмайди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

ТУЗСИРАМОҚ Организмда туз етишмаслиги сабабли туз талаб бўлмоқ (асосан ҳайвонлар ҳақида). [*Қўйларнинг*] *Ҳаммаси тузсираган бўлса керак, кирсангиз, қўлингизни ялайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУЗУВЧИ 1 Тузмоқ фл. сфдш. *Шартнома тузувчи томонлар. Далолатнома тузувчи шахслар.*

2 Материал, факт, маълумот ва ш.к. ни йиғиб ва уларни маълум тартибда жойлаштириб асар яратувчи ёки яратган шахс. *Луғат тузувчи. Халқ қўшиқлари тўпламини тузувчи.*

Ер тузувчи Ерни планлаштириш ва ш.к. ишлар билан шуғулланувчи шахс, мутахассис. *Бу орада ер тузувчи Худойназаров билан ўзингиз иккитадан тўртта участка қуриб олдингиз.* «Муштум».

ТУЗУК I **1** Бузилган-нетган ери йўқ, ишлаб турган ёки ишлай оладиган. *Телевизор тузукми, бузуқми? Мотор тузук ишлаб турипти.*

2 Камчилиги, ёмон ери йўқ; дуруст, яхши; бинойи. *Тузук йигит. Бу иш тузук ташкил қилинмабди.* ▬ *Ўзи тузук шоир, бироқ танқидни кўтармагани ёмон.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Кенжа йигит қишлоқда Тура олди бир ойча, Турмуш тузук бўлса-да, Аммо бахти узоқда.* З. Диёр.

3 Дард-касали йўқ, соғ, соғлом; соғлиғи қаноатланарли. *Ота, тузукмисиз? Тузук бўлиб кетдингизми?* ▬ *Хайрият, онангизнинг аҳволи анча тузук бўлиб қолди, иситмаси ҳам қайтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дадаси, энди тузукман, қизимни саҳарлари уйғотманг.* А. Қаҳҳор, Бемор.

4 *рвш.* Қоидаси билан, дурустгина, яхшилаб. *Тузукроқ, мазмунлироқ гапирсангизчи. Тузукроқ ўтиринг.* ▬ *Хаёлингиз қаерда, нима сўзлаяпсиз, ойи? Тузуккина гапиринг!* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *тасдиқ юкл.* Яхши, хўп, майли, маъқул. *-Эртага китобни ола кел, тузукми? -Тузук, олиб келаман.* ▬ *-Сиз киргандан кейин мен эшикни устингиздан ёпиб оламан-да, бир оздан сўнг олдингизга келиннинг ёлғиз ўзини киргизаман, тузукми? -Тузук.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУЗУК II *тар. ҳуқ.* Қонун-қоидалар тўплами; низом. *Амир Темур тузуклари.*

ТУЗУКЛАМОҚ *кам қўлл.* Яхши, дуруст ҳолга келтирмоқ, яхшиламоқ. [*Отабек*] *Хаёл ичида қоғознинг тахларини тузуклади-да, қайтариб, яна қўйнига тиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Артель ишини яхши йўлга қўйиш, ҳосилдорликни ошириш, колхозчиларнинг даромадини тузуклашда фаол қатнашибди.* Газетадан.

ТУЗУК-ҚУРУҚ *с.т. кам қўлл.* Яхшигина, дурустгина, кўнгилдагидек. [*Тўла*] *Ўқи-*

тувчининг саволларига тузук-қуруқ жавоб қилмай, ўз ўйи билан машғул бўлди. М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Касбингиз бўлмаса, ошна-оғайниларингиз бўлмаса, қўлингизда тузук-қуруқ характеристика бўлмаса! Қаёққа борасиз?* А. Мухтор, Туғилиш.

ТУЗУМ Жамият ва давлат тузилиши (қурилиши) тизими. *Давлат тузуми. Қабилачилик тузуми.* ▬ *Миллий тилнинг сақланиши ва ривожланиши ҳамма вақт ижтимоий тузумнинг.. одиллигига боғлиқ.* «Фан ва турмуш». *У* [*Алиқул*] *кўп ўтмай янги тузум, янги давлат, янги ҳаёт ва янги одамларга дуч келди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТУЗҚОҚ: тузқоқ қилмоқ Гўштга туз сепиб қуритмоқ, қоқламоқ. *Шаҳар, қишлоқларга барра гўштнинг ҳаммасини етказиб беролмаймиз.. Кучимиз етганича тузқоқ қиламиз.* Газетадан.

ТУЙИЛМОҚ I **Туймоқ** I фл. мажҳ. н. *Ховончада туйилган толқон.* ▬ *Жўхори туяётган хотини унинг қўлидаги тугунчани кўриб, келисопни келининг устига қўя чопди. Кели лапанглаб ағнади, чала туйилган жўхори ерга тўкилди.* А. Қаҳҳор, Анор.

ТУЙИЛМОҚ II **1 Туймоқ** II фл. мажҳ. н. *Унинг сўзи менга қаттиқ туйилди.*

2 Ўхшамоқ, ўхшаб кўринмоқ, ҳис этилмоқ. *У пайтлар ёз эди, бу гал эса қиш; Бир хилдай туйилар иккала фасл.* М. Икром. *Ниҳоят, ҳар минути бир кундай туйилган бир соат вақт ўтгач, бутадан йигирма-ўттиз метрча берида, қора каска кўринди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТУЙМОҚ I **1** Кели, ховонча ва ш.к. да янчмоқ, майдаламоқ, кукун қилмоқ. *Мурч туймоқ.* ▬ *Ҳовли юзида жўхори туйиб ўтирган Каромат Меҳринисони кўриб, дик этиб ўрнидан турди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Онаси қандайдир ўтларнинг томирини териб қуритар эди-да, келида туйиб, атала қайнатиб берар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *шв.* Оқламоқ, тозаламоқ (мас., шолини). *Қори ўзининг хотинини ёмонлаб кетди: шолини сочмасдан туёлмайди, сув қайнатса ҳам, тагига олдириб қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУЙМОҚ II Ҳис қилмоқ, сезмоқ; пайқамоқ. *Шу ондаёқ у чеккасида аёлнинг титроқ иссиқ лабларини туйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [*Йўлдош*] *Шу дақиқа онанинг меҳрли нигоҳи фарзанд ғуссасини маҳв этишга қодир эканини умрида илк бор туйди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ТУЙНАК Янги тугилган, ҳали етилмаган қовун, сапча. [*Бозорда*] *Қовун туширадиганларга ёрдамлашаман, сапча, туйнак беришади.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бундай кезларда хазанак бўлган полиздан топилган хомак ҳам, пайкал кесагида ёриб ейдиган туйнак ҳам ширин бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Баъзан эгатлар ичида тарвуз, қовун палаклари чиқиб қоларди. Албатта, бир-иккита бурушган туйнак бўларди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ТУЙНУК Эски типдаги маҳаллий уй, биноларнинг девори ёки тепасидан ёруғлик, ҳаво кириб туриши ёки бошқа мақсадлар учун қолдирилган тўртбурчак ёки доиравий тешик. *Мана, бир томондан дераза ўрнига туйнук очилган кичкина қоронғи уйда ўн-ўн беш чоғли хотин ўтирибди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Хона мадрасалардаги ҳужрага ўхшаш кичик бўлиб, тепада икки туйнук бор эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бир вақтлар Султон Маҳмуд мирзо тириклигида шу хонадан қизлар чўмиладиган бўлмага махфий бир туйнук очилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Боши (*ёки* бўйи) туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ Ҳали ёш, балоғат даври ўтган эмас. *Хом ўйлабсиз, ҳалитдан куёв нимаси,* [*Тошхоннинг*] *боши туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Биронта хотини йўқ одам топилиб қоларди. Қизимизнинг бўйи туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ-ку!* С. Зуннунова, Гулхан. **Ой туйнукка, арава эшикка келганда** Иш тиқилинч бўлиб қолгандагина ҳаракатга тушганда айтиладиган ибора.

ТУЙНУКЛИ Туйнуги бўлган, туйнук қўйилган. *Туйнукли уй.* ▬ [*Қўрғоннинг*] *Унда-мунда туйнукли деворлари мустаҳкам, қўш табақа дарвозаси ҳам бор.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТУЙҚУС *шв.* Бирдан (тўсатдан) юз берган; ногаҳоний. *Иккала мўйсафид унинг бу туйқус ҳолатидан ҳайрон қараб қолишди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 *айн.* **туйқусдан**. *Ойпарча беражак саволини унутиб қўйгандек туйқус гангиб қолди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Низом нафратомуз чимирилиб қўл силтади, туйқус мияси ғувуллаб, бир лаҳза кўзи тинди.* «Ёшлик».

ТУЙҚУСДАН *рвш. шв.* Бехосдан, қўққисдан, кутилмаганда, бирдан. *Банги, бошига туйқусдан совуқ сув қуйилган одамдай, қисиқ кўзлари чарақлаб очилиб кетди.* О. Ёқубов, Ларза. *Тоштемир Ойнисага яқинроқ келиб, тизгинни унинг қўлидан олди ва туйқусдан сўраб қолди: -Тошкентга олиб кетайми?* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ТУЙҒУ 1 *физиол.* Ташқи таъсирни сезиш, ҳис этиш, қабул қилиб олиш қобилияти; сезги. *Туйғу ёрдамида биз иссиқни ёки совуқни сезамиз.* ▬ *Қуённинг туйғу аъзолари терида тамомланадиган нерв учларидан иборат.* «Зоология».

2 Руҳий ёки жисмоний кечинмалар, ҳис-туйғулар мажмуи; ҳис-туйғу, ҳис-ҳиссиёт. *Нафис туйғу. Ишонч туйғуси. Дўстлик туйғуси. Оғриқ туйғуси. Юракни ғаш қилаётган туйғу.* ▬ *Рашк, менимча, мана шу ҳақоратнинг алами ва шундан келиб чиқадиган туйғу.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Отасининг салтанат олдида катта ҳурматга эга экани Бадианинг қалбига ҳам фидойилик туйғуларини солган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Орага жимлик чўкиб, туйғуларни сўндирди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТУЙҒУЛИ Сезиш, ҳис этиш қобилияти кучли; сезувчан. *Нафис туйғули қиз.*

ТУЙҒУН I **1** Тез сезиб, фаҳмлаб, пайқаб оладиган; сезгир. *Туйғун бола.* ▬ *Ҳамза онасидек туйғун, ҳар нарсага қизиқувчи бола бўлган.* «ЎТА». *Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз етти иқлимда ҳам топилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Туйғун (эркаклар исми).

ТУЙҒУН II Қирғий ёки қарчиғайнинг эркаги. *Сувсиз чўлда келади. Полвон Ҳасан, мард Ҳасан, Оч туйғундай чирқиллаб.* «Равшан».

ТУЙҒУСИЗ Сезиш, ҳис этиш қобилияти йўқ ёки кучсиз; ҳиссиз, сезмайдиган. *Тебранолмай фақат мен ётаман Ўз ўрнимда ярим туйғусиз.* О. Юнус.

ТУК 1 Баданда ўсадиган соч ёки юнгнинг ҳар бири; мўй. *Мўйлов туки.* ▬ *Сочининг ҳар бир толаси, қошидаги ҳар бир тук, мижжасидаги ҳар бир киприк кўз ўнгимда турипти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Баъзи нарсаларнинг устини қоплаб олган (қоплаб ўсган) майда қилсимон ўсимта. *Шафтолининг туки. Чигитнинг туки.* ▬ *Отлиқ шохни ушлади, уни авайлаб ўзига тортди, кейин беҳилардан бирининг чанг босиб ётган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб, уни ҳидлади, яна ҳидлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бир туки ўзгамас *ёки* **бир тук ҳам кам эмас** Айнан ўзи, худди ўзи, ўзгинаси. *Кампир суратни қўлига олиб тикилиб қолди: -Худди ўзи, Кенжагинамнинг ўзи. Бир туки ўзгамас.* С. Аҳмад, Чевара. *Буваси-ку «Дадасидан бир туки кам эмас», деб Аъзамнинг болалик чоғини эслайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТУКДОР *айн.* **сертук**. *Тақсимча, косаларда барра пиёз, шивит бўктирилган сузма-қатиқ. Бошмалдоқдек тўқ-қизил тукдор бодринглар.* С. Нуров, Нарвон.

ТУКЛИ 1 Баданида туки бўлган; мўйли. *Унинг майин сарғиш тукли пешонасида, юқори лабининг устида тер резалари йилтирарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Устки қисми тук билан қопланган; сертук. *Тукли арилар. Тукли газлама. Тукли беҳи.*

ТУКСИЗ 1 Тук-мўй ўсмаган, туки йўқ. *Туксиз силлиқ юз.* ▬ [*Фосиҳ афандининг*] *Туксиз қошлари жийрилиб бориб, кўк шишали кўзойнакларига қадалди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Моҳина Латофатнинг тоғачаси, деб атаган киши пакана, туксиз боши тарвуздай дум-думалоқ, эллик ёшлар чамасида эди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

2 Устида туки йўқ. *Туксиз шафтоли. Туксиз қовун.*

ТУКСИЗЛАНТИРМОҚ Тукидан холи қилмоқ (асосан, чигит ҳақида). *Туксизлантирилган чигитга жуда эҳтиёт бўлиш керак.* Газетадан.

ТУЛ Эри ёки хотини ўлиб ёлғиз қолган; бева, есир. *Тул хотин. Тул қолмоқ.* ▬ *Қанча-қанча оналар, келинчаклар тул бўлди.* З. Диёр. [*Аҳмаднинг*] *Пастдаги қўшниси тул эркак, жуда бўшанг, беозор одам эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТУЛИЙ [*юн.* Thule – Туле, қадимда Ернинг шимолий чегараси деб ҳисобланган ярим афсонавий мамлакат номи] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент, радиоактив металл.

ТУЛИМ *кам қўлл. айн.* **толим.** *Сочни икки тулим қилиб ўрмоқ.* ▬ *Сулув оғир тулимини тўлғаб, қовоқ косадан жиндак сув ҳўплади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТУЛКИ 1 Бўрисимонлар оиласига мансуб, тумшуғи узун, думи майин узун жунли, ўта сезгир ва айёр йиртқич сутэмизувчи ҳайвон. *Қалин майсалар орасида сарғиш айёр тулки алангалаб борар эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ковакни бойвачча тулки овлаб юрганида кўрган эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Шу ҳайвоннинг мўйнаси ва ундан тайёрланган телпак ва б. *Ойсулув уйғониб, унгурнинг оғзига чиқиб турган эди.. Сувонжон унга қуён рангли тулкини узатди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бошига тулки телпак кийган бу отлиқ унга таниш кўринди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *кўчма* Ўтакетган айёр, маккор одам ҳақида. *Ишонмайман-у, лекин қари тулки эридан кўп нарсани яширишини биламан.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Ҳақиқатда эса, бу тулкилар уни лақиллатадилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Бўрими, тулки? Ишнинг ўнгидан келган-келмаганлиги ҳақида сўроқни билдиради. *Қани, бўримисиз, тулки?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бўрими, тулкими? Оқ туяни кўрганларинг йўқми?* «Ойсулув».

ТУЛКИЛИК Тулкига хос хатти-ҳаракат, қилиқ. *Тулкилик қилмоқ.* ▬ *Тулкилик-да. Бу одам хирпи бўлиб кетган. Комиссия келиб қолса, сувдан қуруқ чиқиш мақсадида, машиналарни рад [қатор] қилиб, бўятяпти.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

ТУЛЛАК 1 Бултурги, қари (икки, уч йиллик), туллаган, туллаб чиққан (паррандалар ҳақида). *Дам олиб ўтирганларга чой ташиётган Тоживой юриб кета туриб, туллакнинг овозидан завқланарди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 *кўчма* Айёр, маккор, фирибгар одам ҳақида. *Туллак одам.* ▬ *Табиий, булар рўпараларидаги юздан тўқсонни урган ва бир ҳафтада тўрт-беш бозорни оладиган туллаклар.. эдилар.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Ўзи ҳам иш кўрган туллак эмасми, энди бу оғир ҳолатдан усталик билан чиқиб олиш йўлларига ёпишади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Пихини ёрган туллак Ўтакетган фирибгар, айёр, маккор. *Жиноятчининг каттаси — унинг акаси Зиёдилла. Пихини ёрган туллак.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТУЛЛАКИ *кам қўлл. айн.* **туллак**. *Тўртта тўрқовоқда тўртта сайратма, ҳа, битта туллаки олиб юришга юрарман.. буни ҳукумат ишига зарари йўқ..* Мирмуҳсин, Умид. *Сиз, биродарлар.. пешона тери тўкиб иш қиласиз. Лекин орангизга совуқда қолган туллакилар аралашиб қолибди.* «Муштум».

ТУЛЛАКЛИК Туллакка хос хатти-ҳаракат (*қ.* **туллак 2**). *Сурхонбой акасининг туллаклик қилаётганини билиб турса ҳам.. ортиқ баҳслашиб ўтирмади.* И. Раҳим, Тақдир.

ТУЛЛАКХОНА *эск.* Отларни бўрдоқига боқиш учун мосланган оғилхона.

ТУЛЛАМОҚ Пат, тери ёки юнгини ташлаб, янги пат, тери ёки юнг чиқармоқ (ҳайвон, парранда ва ш.к. ҳақида). *Туллаган товуқ.* ▬ *Унинг* [*чолнинг*] *оёқлари остида туллаган ориқ ит қимир этмай ётарди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Бу орада дарахтлар гуллаб туга бошлади. Моллар туллаб бўлди..* С. Нуров, Нарвон. *Кўклам чиқди дегунча биз туллаган сигирнинг жунини юлиб оламиз.* С. Муродбеков, Ёвшан иси.

ТУЛПОР 1 Наслдор, чопқир, учқур от; арғумоқ. *Бос олдин, тулпорим, чу, азамат, чу.* Ғ. Ғулом. *Тулпор отлар ел қувиб илгарилади-да, тепалик ёнбағридан юриб, ўрмон ичига кириб кетди.* М. Муҳамедов, Кичик гарнизон.

Хоса тулпор Боқилган, чиниққан, узоқ сафарларда, пойгада пишиган наслдор от. *Майдон бўлса, бедов отлар чопилар, Кўп чопилса, хоса тулпор совилар, Хизмат қилсанг, ёринг кўнгли топилар.* «Ширин билан Шакар».

2 *фольк.* Қанотлари бўлган афсонавий учар от. *Ҳотамнинг булутга учадиган тулпори бўларкан..* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТУЛУМ 1 Терисига похол тиқилган бузоқ (боласи ўлган сигирни ийдиришда фойдаланилади).

2 Ичига похол ва б. нарса тиқиб қотирилган ҳайвон, қуш ва ш.к. *Айиқ тулуми. Бургут тулуми. Лайлак тулуми. Тулум устахонаси.* ▬ *Унинг* [*Полвоннинг*] *ёнига бирмунча ўрдак тулумлари уйилиб қўйилганди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Болалигидан боқиб ўстирилган қушни овга ўргатишда қуён, тулки сингари ҳайвон тулумларидан фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

3 Меш, саноч.

ТУМ Ноғоранинг пўкиллаганроқ овоз чиқарадиган тоқаси ва ундан чиқадиган овоз. *Ноғоранинг так, тум (така, тум) овози эшитилди.*

ТУМАН I [*мўғ.* тумэн – ўн минг] **1** Атмосферанинг қуйи қатламларида юзага келадиган майда сув ёки муз зарралари. *Қуюқ туман. Тонгги туман.* ▬ *Ҳаво туман бўлганидан ўрмон кўзга кўринмас эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Сал ўтмай сойликни оқиш ҳарир туман қоплади.* О. Ёқубов, Излайман. *Рўпарада паст-баланд чўққиларини осмонга туртиб, кўкиш туман пардасига бурканган Чотқол тоғлари.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Туманга ўхшаш, хира, нимқоронғи ҳолат. *Баҳорнинг фикри булут босган осмондай қоронғилашди-ю, кўз олдини туман чулғади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ТУМАН II **1** *эск.* Ўн минг. *Бирники мингга, мингники туманга.* Мақол.

2 Ниҳоятда кўп, саноғига етиб бўлмайдиган, тумонат. *Саломатлик – туман бойлик.* Мақол. ▬ *Биз учун энг аввало туман бойликлар яратишга қодир бўлган одамларнинг саломатлиги керак.* Газетадан.

3 *тар.* Тилла баробарида ўн минг сўм. [*Соҳиб Доро:*] *Халифамиз ўтган куни девон қуриб, вазирлари ва бекларидан икки туман ақча топиб бермоқни талаб этибдурлар.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

4 *тар.* Марказий Осиё ва Хуросонда: ўн минг отлиқдан иборат аскарий қисм, дивизия. *Мен.. бир туман бирла ғанимнинг ўнг қўлидан орқасига ўтиб олдим.* М. Осим, Ўтрор. *Тургин, ота, қара, нақ туман Душман келар сарҳадма-сарҳад.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

ТУМАН III **1** *тар.* Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда 20-аср 20-йилларигача маъмурий-ҳудудий бўлиниш; уезд; *Шу ўттиз чақиримлик ариқ қазилиб битганда, Наманган ва Андижон туманларидан икки минг ботмонгача ер суғорилар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мардон асли Шеробод туманига қарашли бир қишлоқлик йигит.* М. Осим, Элчилар.

2 Ўзбекистонда: вилоят, шаҳар ҳудудида уларнинг таркибий қисми бўлган маъмурий-ҳудудий бўлинма. *Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани. Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани.* ▬ *Бу ҳақда ҳикоя қилишни тумандаги оилалардан бошладик.* Газетадан.

ТУМАН IV *шв.* Тубан, қуйи.

Юзи туман бўлмоқ Уятга қолмоқ, шарманда бўлмоқ. *Маҳрами-ман келиб қизинг кўрмайми? Сиёсат-ман келиб тортиб олмайми? Ундан кейин юзинг туман бўлмайми?* «Алпомиш». **Юзини туман қилмоқ** Уятга қолдирмоқ, шарманда қилмоқ. *Сен эшитгин мендай марднинг сўзини, Туман қипсан бек отангнинг юзини.* «Алпомиш».

ТУМАН V [*ф.* تومان – ўн минг динорга тенг пул бирлиги < *т.* туман] Эронда 1932 йилга қадар муомалада бўлган пул бирлиги.

ТУМАНБОШИ *тар.* Ўн минг жангчидан иборат ҳарбий қисм, дивизия қўмондони. *Бобур қўшинида туманбоши лавозими мавжуд бўлмаган, чунки қўшиннинг сони ўн икки мингдан ортиқ эмас эди.* «ЎзМЭ».

ТУМАНЛАНМОҚ Туман билан қопланмоқ; хираланмоқ. *Туманланган дераза ойналарига йирик қор парчалари оқ капалакдай уриларди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУМАНЛАШМОҚ **1** Хира бўла бормоқ, хираланмоқ. *Кўз олдим туманлашди.* ▬ *Ўйлаганим сари ўйларим туманлашди.* З. Дўстматов, Ёқут.

2 *кўчма* Хиралашмоқ, ноаниқлашмоқ. *Бу оғир андишалардан Аҳмад Ҳусайннинг кўз олди туманлашди.* Ойбек, Нур қидириб.

ТУМАНЛИ **1** Туман қоплаган, туман босган. *Туманли кун.* ▬ *Кеча қоронғи ва туманли эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тегирмон йўлаги ун тўзони ичига кўмилиб, кеч кузнинг қуюқ туманли ҳавоси манзарасини беради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *кўчма* Аниқ эмас, аниқ ифодали бўлмаган. *Туманли тасаввур. Туманли фикр.* ▬ *Шукуржоннинг миясида яна чақмоқ чақнагандай бўлди-ю, ўн йиллар давомида дилига озор бериб келган туманли ўйларнинг ҳаммасини бирдан ёритиб юборди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

ТУМАНЛИК **1** Туман билан қопланган ҳолат, қатлам. *Туманлик орасида бир тўп чуғурчуқ шовқин солиб ўтди.* Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг.

2 Туман босган, қоронғи жой. *Саидий шу дарвоза ва шу занжирнигина оддий деб билиб, ичкарини сира кўз олдига келтирмас ва*

келтирмоқчи бўлганда, фақат бир туманликнигина кўрар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *астр.* Ердан жуда узоқда жойлашган ва Сомон йўлига ўхшаш кўринишга эга бўлган юлдузлар системаси. *Космик миқёсда планетар туманликларнинг яшаш муддати бир неча ўн минг йил, холос.* «Фан ва турмуш». *Яна минг йиллардан сўнг ёритқич атрофида сайёравий туманлик ҳосил қилади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ТУМБА [*нем.* Tumbe < *лот.* tumba — қабр < *юн.* tumbos — дўнг, тепалик] **1** *айн.* **тумбочка.** *Гулни тумба устидаги сопол гулдонга солиб қўйиб, Усмоннинг бош тарафига оғир чўкди.* «Шарқ юлдузи».

2 Ғўлага ўхшаш нарса; курси, устунча. [*Тўла*] *Вагон орқасига югуриб ўтди-ю, лип этиб тумбага чиқиб олди. Трамвайнинг юриб кетаётганидан ҳам, тумбага осилиб юриш хавфли эканидан ҳам қўрқмади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ТУМБОЧКА [«тумба» с. нинг кичр.] Ичига ва устига нарса қўйиладиган кичкина пастак шкафча. *Ҳар бир каравот бошида биттадан тумбочка, оёғида — биттадан тахта курси.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Нонуштага асраб қўйган бир бурдагина қотган нонни тумбочка тортмасидан олиб еди..* С. Кароматов, Олтин қум. *Бирдан тумбочка устидаги телефон жиринглаб қолди.* Ғайратий, Довдираш.

ТУМОВ Совқотиш, инфекция, аллергия туфайли бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши ва бунинг натижасида буруndan сув, назла оқиш касаллиги. *Тумов бўлмоқ.* ▬ [*Ёрмат*] *Тумов орқасида бурнидан тўхтовсиз оққан сувни ҳам сезмайди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Киши тумовга чалинган бўлса, у овқатнинг таъмини ҳам, гулнинг ҳидини ҳам сезмайди.* «Фан ва турмуш».

ТУМОВЛАМОҚ Тумов бўлиб қолмоқ. *Сайёра тумовлаб, бир-икки кун мактабга келмади.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. *Ёлғиз фарзандимиз қолса тумовлаб, Тушамиз ваҳима, васвасасига.* А. Орипов, Йиллар армони.

ТУМОНАТ Саноғига етиб бўлмайдиган, ниҳоятда кўп (одамлар тўпи); халойиқ. *Унинг шовқин-суронига бир зумда тумонат тўпланди.* ▬ *У* [*Хайри*] *онасиданми, бувисиданми мерос бўлиб қолган минг ямоқ банорас паранжисини номига ёпиниб олган, кўзлари тумонат ичидан кимнидир қидиради.* А. Муҳиддин, Қирқ бахт эгалари. *Дод деб айюҳаннос солмоқчи, тумонатни йиғмоқчи бўлар.. нафаси тиқиларди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Шунинг учун чинорнинг зиёратига атроф-теваракдан ҳар йили тумонат одам келиб кетади.* А. Мухтор, Чинор.

ТУМОР 1 [*а.* طومار — ўроғлиқ хат; нома, ёзув] Халқона, диний тасаввурга кўра, гўё эгасини кўз тегишдан, бало, офат, инс-жинс ва ш.к. дан сақлайдиган, ичига дуо битилган қоғоз жойланган учбурчак нарса (одатда бўйинга, қўлтиққа, сочга тақилади ёки кийимнинг ички қисмига тикиб қўйилади). *Дуо тумор. Кўз тумор.* ▬ *Нима бу, қандай тумор, Дўппи ичра чатилган?* Ғ. Ғулом. *Шайх дуоталаб икки аёлга тумор ёзиб бераётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Асқар мулла дам солар, банд қилиб, тумор битиб берар эди.* С. Зуннунова, Олов.

2 *этн.* Хотин-қизларнинг кийим устидан бўйинга осиладиган ёки елкага осиб, қўлтиққа тушириб юриладиган безаги. *Бойваччароқ қизлар бўйинларига зебигардонлар, бўйин туморлар, қўлтиқ туморлар, тиллақошлар.. тақиб олган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

3 *сфт. с. т.* Учбурчак (тумор) шаклга эга бўлган. *Тумор ер.* ▬ *Фақат неча минг километрлар йўл босиб келган тумор хат унга* [*Пўлатжонга*] *тасалли берди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТУМОРНУСХА Туморга ўхшаган, тумор шаклидаги. *Туморнусха хат.*

ТУМОРТАХЛИТ *айн.* **туморнусха.** *У* [*Бегижон*].. *тумортахлит букланган бир қоғозни менга узатар экан, ҳаё босгандан бўлса керак, иягида марварид доналари сингари майда-майда терлар пайдо бўлди.* Н. Сафаров, Севги.

ТУМОҚ 1 *шв.* Қулоқли иссиқ қалпоқ; қулоқчин. *Орқада бошига қозоқи тумоқ кийган подачи бола ҳадеб шовқин солар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ғиёс ака.. бошида кўҳна тулки тумоқ, хаёл суриб кетяпти.* Н. Фозилов, Дийдор. *У тумоғини олиб, тиззасига қўйди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

2 Ўргатилган ов қушининг бошига кийдириладиган тери қалпоқча. *Не мунглиғ бу дунёда — қизлар мунглиғ, Бошида тумоғиси бургут мунглиғ.* «Оқ олма, қизил олма».

ТУМСА Туғмайдиган, сути йўқ. *Тумса сигир.* ▬ *Сенга қараб бўтадайин бўзлайман, Фикрим шудир, ўзим сира тинмайман, Мен тумсага агар сутни бермасанг, Берган омонатинг ол, деб йиғлайман.* «Зулфизар билан Авазхон». *Бу Гўрўғли хумса, хотини туғмас тумса..* «Бўтакўз».

2 *кўчма* Ҳосилсиз, ҳеч нарса униб-ўсмайдиган. *Эй буюк саҳронинг заррачалари, Кафтимда тўзғимай турсанг бўлмасми, Дил хурсанд бўлмасми, тумса бағрингда Гиёҳлар потирлаб унса бўлмасми?* Ш. Раҳмон, Гуллаётган тош.

ТУМСАЙМОҚ *айн.* **тумтаймоқ.** *Боқижон тумсайиб, оғзини очган ҳолда, ҳаммага маъносиз тикилди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ҳатто тумсайиб ўтирган Асрора ҳам беихтиёр чапак чалар эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ТУМТАЙМОҚ Бирор нарсадан хафа бўлиб, ранжиб ёки жаҳли чиқиб, қовоқ солиб ўтирмоқ; тундлашмоқ, тумшаймоқ. *У боласининг бугун жуда ҳам тумтайиб олганига ҳайрон бўлар, уни гапга солиш, паришонлигини тарқатиш учун турли саволлар берар.. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Каримберди индамади, бадтар тумтайди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

ТУМТАРАҚАЙ *рвш.* Тартибсиз, ҳар томонга тўзган ҳолда (асосан, қочиш, кетиш, тўзиш ҳаракати ҳақида). *Эшик очилиши ҳамон болалар тумтарақай қочиб кетишди..* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Қальани иҳота қилиб турган навкару ясовуллар ҳар томонга тумтарақай қочиб кетишди.* М. Осим, Ўтрор.

Тумтарақай бўлмоқ Тумтарақай ҳолга тушмоқ, ҳар томонга қочиш, кетиш ҳолатига тушмоқ. *Бирпасда дарвозахона бўшаб қолди. Қаландарлар мўр-малахдай тўрт томонга тумтарақай бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Тонг отганда кимдир: «Ёғий босди!» деб қичқирди-да, тура қочди. Уйқусираган одамлар ваҳима ичида тумтарақай бўлаб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Тумтарақай қилмоқ** Ҳар томонга тартибсиз равишда қочишга мажбур этмоқ, тўзитмоқ. *Траншеяга кириб қолган гитлерчилар мададкорларимиз зарбасидан тумтарақай қилиб юборилган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *-Тур ўрнингдан! – деб қолди Пошша хола Умиднинг хаёлларини.. тумтарақай қилиб.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТУМТАРОҚ [*ф.* طمطراق – тантанавор, дабдабали, шов-шувли] **1** Баландпарвоз дабдабадан (сўзлардан) иборат, тамтароқ. *Кечиринг, азиз дўстлар, тумтароқ бўлди сўзим.* П. Абдуллаев, Менинг қўшиғим. *Сийқаси чиққан тумтароқ, мавҳум, умумий фикрларни ёдлаб олган.. нотиқлардан нима фойда?* Газетадан. *Бир қатор тумтароқ, баландпарвоз қарорлар қабул қилинган, аммо улар бажарилмаган.* Газетадан.

2 *айн.* **тумтарақай.** *Ҳажиқизларнинг тумтароқ бўлиб қочишини кўрдингми?* Уйғун, Сайланма. *Наҳотки, ўша мен уруш бошида кўрган, соясидан ҳуркиб тумтароқ қочиб юрган қизил аскарлар шунақа кучга тўлиб, уддабурро бўлиб кетган..* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТУМТАРОҚЛИ Баландпарвоз дабдабадан иборат бўлган; тамтароқли. *У* [*Элчи*] *тумтароқли сўзлар билан Тўмарисни қутлуғлар экан, мулозимлар тилладўз чопон ва ҳарир кўйлаклар тугилган зарбоф бўғчани унинг оёғи остига қўйдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ТУМУШМОҚ *шв.* Тумшаймоқ. *Унинг тумушиб, тўнига ўралиб туришини кўрган деҳқон, раҳми келди шекилли, аста эгилиб, юзларига тикилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТУМШАЙМОҚ 1 *айн.* **тумтаймоқ.** *Нега тумшайиб олдинг, йигит?* ▬ *Қишлоққа ишга бориш ниятим қатъийлигини билгач, мендан ўзини олиб қочиб, тумшайиб юрди.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз. *Вали ака калласини қимирлатди, кекса юзи тумшайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Ёқимсиз тус олмоқ, «қовоғини солмоқ»; тундлашмоқ (асосан, ҳаво ҳақида). *Ҳавони қаранг, жуда тумшайиб олди. Ғўзалар сал ўзини тутиб олса, яхши бўларди.* С. Зуннунова, Олов.

ТУМШУҚ 1 Қушларнинг оғзи билан бириккан, чўқиш ва зарб бериш учун хизмат қиладиган ўткир учли шохсимон аъзоси. *Товуқнинг тумшуғи.* ▬ *Лайлакнинг бўйи новча, тумшуғи бор тарновча.* Уйғун. *Қушчанинг жуволдиз учидай тумшуғи салгина очилиши билан жилғани кучли овоз тутди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳайвонлар бошининг олд (оғиз, бурун томон) қисми. *Чўчқанинг тумшуғи.* ▬ *Елибйўрғалаб кетаётган тўриқ дафъатан тум-*

шуғини баланд кўтариб, қаттиқ кишнади. С. Анорбоев, Оқсой. *»Тарзан» боягидай буйруқни бажариб, қанд «мукофот» олгиси келдими, сахий эгасининг оёғига ялпоқ тумшуғини суркади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 *с. т. дағл.* Афт-башара; калла, бошнинг юз, бет томони. *Пошша хола.. куёвнинг тумшуғи олдида омбур қилиб қисилган бармоқларини ўйната бошлади.* Д. Нурий, Осмон устуни. *У* [*Мадаминхўжа*] *бориб, муттаҳам қозининг тумшуғига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Бирор нарса, буюм ва ш.к. нинг олдинга чиқиб турган қисми, бурни. *Кеманинг тумшуғи. Милтиқнинг тумшуғи.* ▬ *Холиқ кўзлаб туриб, оғир этигининг тумшуғи билан бир тепди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Пўлат қуш тумшуғини чўза-чўза, осмонга кўтарилди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Уларнинг бири сумкадан ойна қутига ўхшаш нарсани олди-да, машинанинг тумшуғига қўйди.* Мирмуҳсин, Супургига сажда.

Тумшуқ тиқмоқ (*ёки* **суқмоқ**) Бирор иш, нарсага алоқаси бўлмаган ҳолда, ўринсиз аралашмоқ. *Биринчидан, мени афандихон деманг. Иккинчисидан, тушунмаган ишингизга тумшуғингизни суқманг!* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бу ишга унинг тумшуқ тиқмаслигини илтимос қилишганда..* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Расулжон ўзининг бевосита вазифаси қолиб, бошқаларнинг ишига тумшуғини тиқади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Тумшуғи** (*ёки* **қовоқ-тумшуғи**) **осилмоқ** (*ёки* **чўзилмоқ**) Афтбашараси хафалик, норозилик ва ш.к. ни ифодаловчи тунд ҳолатли бўлмоқ. *Менглибойнинг тумшуғи осилди.* «Муштум». *Терговчи Ҳамдам Йўлдошев, қовоқ-тумшуғи осилиб, уларни хонасига бошлаб кирди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Сўнгги гап ёқмади шекилли, тумшуғи чўзилиб кетди.* Ойдин, Ҳикоялар. **Тумшуғи остида** (*ёки* **тагида**) Шундоққина олдида, ёнгинасида. *Агар тумшуғининг остида нималар бўлаётганини кўрмаса, унда у латта!* «Шарқ юлдузи». *Қайнона шундоқ Йигиталининг тумшуғи остига келиб, гулдуроқ овоз билан бир кулиб қўйди..* Д. Нурий, Осмон устуни. *Поезддан тушгандан кейин тумшуғимиз тагида экансанку, биз бўлсак қаёқларга бориб юрибмиз.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..кўчада турган милиционернинг тумшуғи тагидан кўча ҳаракати қоидасини бузиб ўтиб кетган-ку..* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. **Тумшуғидан илинмоқ** Қўлга тушмоқ. *Ниҳоят, қинғир кўчага кирган ёшлар тумшуқларидан илинишди.* Газетадан.

ТУН 1 Сутканинг кун ботишдан кун чиққунгача, оқшомдан тонготаргача бўлган қисми. *Ойсиз тун. Тун капалаги. Ой тунда керак, Ақл кунда керак.* Мақол. ▬ *Очил ярим тунгача кўчаларда тентираб юрди, ётоққа борса, яна тун бўйи ухлай олмай чиқишини билар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *[Низомжон] Кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар нағмасидан, сувлар шилдирашидан кўнгилга аллақандай юпанч изларди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Тун қоронғиси, қоронғилик. *Баҳор келди, Тун бағрида Ярқ этгандай бўлди нур.* Э. Воҳидов, Нидо. *Ҳали тонг отмаган, кулранг осмон аста-секин оқара бошлаганига қарамай, хиёбонлар, кўчалар, биноларнинг пастки қаватлари тун қўйнида эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Олис-олисларда ёнган юлдуздек Дардим билан сингиб кетдим мен тунга.* Х. Даврон, Қақнус.

ТУНАМОҚ 1 Бирор жойда тунни уйқу билан ўтказмоқ, кечаси ётиб қолмоқ. *Хирмонда тунамоқ.* ▬ *Бозорни кутиб, икки-уч кун.. самоварда тунадик.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [*Йўлчи*] *Баъзан Қоратойнинг ишхонасида, баъзан чойхонада тунаб юрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўғридан ҳам кичик булоқ бор экан. Карвон шу ерда тунади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Босқинчилик, ўғрилик қилмоқ (одатда, тунда). *Улар биринчи куни Қўйлиққа яқин жойда Зуфар Ғайнуллинни тунаб, калтаклашдилар.* Газетадан. *Раҳмат шериклари билан тунда фабрикадан келаётган И.М. исмли қизни тунаб, жабрлаб қочаётганларида, қинғир ишнинг қийиғи чиқиб қолди.* Газетадан.

ТУНГАН *с. т.* Тунгони. *Ора-сира тунганлар ҳам кўриниб қолади. Улар аёллар кўйлагига ўхшаш узун камзул кийган.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТУНГИ Тунда бўлган ёки бўладиган; тундаги, кечки. *Тунги смена. Тунги салқин.* ▬ *Асаб, тунги уйқусизлик Қудратни толиқтирган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Расулжон тунги сайрнинг ҳаётбахш таассуротидан беқиёс лаззат топиб, уйига қайт-*

ган маҳал тонг ёриша бошлаган эди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТУНГОНИ 1 Халқ, миллат номи. *қ.* **дунганлар, тунгонилар.**

2 Шу халқ, миллатга оид, тегишли. *Тунгони йигит. Тунгони тили.*

ТУНГОНИЛАР *қ.* **дунганлар.**

ТУНД [*ф.* تند – шиддатли, қаттиқ; таранг, пишиқ; заҳарли, ваҳший, ғазабли] **1** Муомаласи қўпол, ёқимсиз, қўрс. *Тунд, камгап, кекса жарроҳ.. ҳар бир сўзни ўлчагандай, оҳиста тушунтира бошлади.* Ойбек, Навоий. *Каримжон, Манзура ўйлагандек, тунд эмас экан. У шундай қизиқ гапларни топиб гапирардики, унинг сўзамоллигига Манзура қойил қолди.* Ҳабибулло, Ғунча. *Эсон устол [стол] ёнига бориш билан Саидийнинг тунд гапини эшитмаган, Саидийни кўрмаган бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Кўриниши, чеҳраси совуқ, қиёфаси ёқимсиз. *Тунд башара.* ▬ *Эшик оға икки букилиб таъзим қилар экан, юзи тунд кўринди.* П. Қодиров, Бобур. *Икки кунчадан бери тунд бўлиб юрган Йигиталининг кўнгли ёришиб кетгандай бўлди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Эрталаб ҳаво тунд, осмонни паст тушган булутлар қоплаб олган.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ТУНДА *рвш.* Тун паллада; кечаси. *Борсак, ой чиқмасдан борайлик. Тунда шундай зўр ов бўлсинки.. унинг гаштига нима етсин!* М. Мансуров, Ёмби. *Ҳозироқ йўлга чиқиб, эртага тунда қайтаман.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТУНДЛАНМОҚ *қ.* **тундлашмоқ.** *Нарвоний яна тундланди, чимирилди-ю, негадир гапирмай, блокнот варағидаги ёзувни «Мана, ўзингиз ўқиб, била қолинг», дегандек суриб қўйди.* «Муштум».

ТУНДЛАШМОҚ Тунд бўлмоқ, тунд қиёфа олмоқ. *Ҳури унинг* [*Камолнинг*] *башараси тундлашиб, катта-катта қора кўзлари ғазабдан чақнаганини кўрди.* Ш. Ғуломов, Саҳрода. *-Бўпти. Шундай қиламиз, – деди Шербек қатъий. Унинг юзи кўланка тушгандай тундлашди. – Тўламат ака, энди менга тўриқни беринг.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бироқ чўлга етганларидан кейин ҳамма ёқни бир зумда қоронғилик босиб, ярим чақирим жойни ҳам аранг кўз илғайдиган даражада тундлашди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТУНДЛИК 1 Қўполлик, совуқ муомалалик. *-Биласизми, – деди Пётр Ларионович тундлик билан, – мени бу ердаги ёзувлар қизиқтирмайди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Тунд ҳолат, қиёфа. *Акасида.. сўз ўтмас бир тундликни кўрди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Ташқарида ҳам уйдагидек тундлик ҳукмрон эди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТУНДРА [*фин.* tunturi – ўрмон (дарахт)сиз баланд тоғ, тепалик] Шимолий яримшарнинг юқори кенгликларидаги ўта совуқ иқлимли ўрмонсиз, йўсинлар, сийрак майда ўсимликлар билан қопланган ерлар.

ТУН-КУН, туну кун 1 Кечаю кундуз, кечасию кундузи, сутка давомида. *Шунинг учун бу ерда дарғалар бедор, туну кун бақириқ-чақириқлар, узун эшкакларнинг бетиним шалоплагани.. эшитилиб туради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ҳамиша, ҳамма вақт, тинимсиз. *Тун-кун ишламоқ.* ▬ *Навоий ва Пушкин – устозлар Тарбиялар туну кун мени.* Х. Салоҳ, Чашма. *Сени ўйларман мангу, Сени ўйларман тун-кун.* Тўлқин.

ТУНЛАРИ 1 Тун с. 3-ш. кўпл. шакли. *Ҳасанали кунларини томоқсиз, тунларини уйқусиз кечира бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёз тунлари шу қадар дилбар..* Ғайратий.

2 *рвш.* Тун пайтларида. *Кунлари куйиб-пишиб ишлаганидан тунлари қотиб ухлайди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Биринчи қаватдаги спорт залининг чироғи тунлари ҳам алламаҳалгача ўчмайди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ТУННЕЛЬ [*ингл.* tunnel < *фр.* tonnel – юмалоқ, бочкасимон гумбаз] Транспорт юриши, сув ўтиши ва б. мақсадларга мўлжаллаб тоғ (ер) ёки сув остидан ўйиб очилган йўл, ўтиш жойи. *Метрополитен туннеллари. Тоғ туннели. Туннель қазимоқ.* ▬ *Ўрмонзор йўли худди тоғ тагидан кесиб ишланган туннель йўлга ўхшайди.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

ТУНОВ: тунов куни Яқинда, ўтган яқин кунларнинг бирида. *Шоир Ҳайдарнинг янги шеърлари тунов куни ёзувчилар ўртасида муҳокама қилинган эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Меҳринисо ҳам тунов куни бир шода марвариди билан қўш билагузугини заргарликка олиб бориб, сотиб келди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТУНОВГИ *шв.* Тунов кунги, тунов куни, яқинда юз берган. *Туновги тўй. Туновги мажлис.* ▬ *Мен учун танинг инғратиб, туновгидай насиб бўлса келаман.* «Гулихиромон».

ТУНОВИН *шв.* Тунов кунги, тунов куни. *Булар туновин Катта намозгоҳда ишларини тугатган экан.* М. Сафаров, Сўқмоқдаги одамлар. *Подшо бу сўзларни эшитиб, Гўрўғлининг оти эканини билиб, туновин харидор бўлган кўсани тутиб олиб, зиндон қилди.* «Далли».

ТУНУКА Том ёпиш ва б. мақсадлар учун махсус тайёрланган юпқа, тахта-тахта темир. *Оқ тунука. Рух тунука. Тунука чойнак. Тунука печка.* ▬ *Новвот опа ишдан қайтиб келганда, Ўринжон ўзи ясаган уйчанинг устига тунука қоқаётган эди.* Ойдин, Ўзи монанд. *Самандаров этигининг қўнжидан тунука қутича чиқариб, махорка ўради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУНУКАЛИ Тунука билан ёпилган, тунука қопланган (том ҳақида). *-Тошкентдаги уйлардан чакка ўтмаса керак-а? — деб сўради у. -Ўтадиганлари ҳам бор. Лекин кўпи тунукали уйлар. — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУНУКАСОЗ 1 Томга тунука қоқувчи мутахассис; тунукачи. *Бу одам пора орқасидан олтита участка солган, еттинчисини қураётганда, тунукасоз билан уришиб қолиб, томдан йиқилиб ўлган.* «Муштум».

2 Тунукадан турли асбоб-анжом ясовчи уста, тунука ишлари устаси; тунукачи. *Кекса деҳқон Юсуф ота образи оддий тунукасоз чол Ориф ота Юсуповга топширилди.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари. *Ҳа, ҳунарманд тунукасоз-темирчининг қўли калта бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

ТУНУКАСОЗЛИК 1 Тунукасоз иши, касби. *Тунукасозлик қилмоқ. Тунукасозликни ўрганмоқ.*

2 Тунука ишларига оид, тунука ишлари бажариладиган. *У ерда сандиқсозлик, тунукасозлик дўконлари бор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТУНУКАЧИ *айн.* **тунукасоз.** *Баланд том устида эмаклаб юриб, тунукачилар тунука қоқардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУНУКАЧИЛИК Тунукачи иши, касби. *Тунукачилик билан шуғулланмоқ.*

ТУНҚОТАР *тар.* Тунги қоровул, соқчи. *Таниш қўнғироқларнинг товушини эшитган тунқотар дарвозани очгач, кўзи мудҳиш воқеани кўрди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тошмачитга етай деганларида, рўпарадан ёнига қилич осиб, қўлига гаврон ушлаган тунқотар чиқди.* С. Сиёев, Аваз.

ТУНҚОТМОҚ *фольк.* Кечаси билан сергак, бедор бўлмоқ, ухламай чиқмоқ; тунда қоровуллик қилмоқ. *Равшанбек тунлар тунқотиб йўл тортди.* «Равшан».

ТУП Ўсимлик ёки дарахтнинг ҳар бир донаси. *Бир туп дарахт. Ўн туп олма кўчати. Ғўзанинг тупи.* ▬ *Салкам миллион туп дарахти бор Тошкентда нима кўп, серсоя жойлар кўп.* П. Қодиров, Уч илдиз. [*Фарғонанинг*] *Ҳар туп мевасидан бол томади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Экиннинг тупини кўриб, ҳосилини аниқла.* «Қанотли сўзлар».

Туп қўйиб, палак ёзмоқ (*ёки* **отмоқ)** *қ.* **палак** I.

ТУПИК [*р.* тупой — «тўмтоқ, боши, учи йўқ; боши берк» с. дан] Боши берк кўча ёки йўл. *«Инспектор» ишнинг ўнғай кўчаётганлигидан бениҳоя хурсанд ҳолда иккинчи тупикдаги иккинчи эшикни тақиллатди.* С. Искандаров, Товламачи.

ТУПКА: (бир) тупканинг тагида *ёки* **бир тупкада** Жуда ҳам узоқ, чекка жойда. *Уйи бир тупканинг тагида экан.* ▬ *Хўжабековни тупканинг тагидан бўлса ҳам топиб келамиз.. Халқ олдида ҳисобот берсин!* С. Анорбоев, Оқсой. *Ёнимда юриш отангга буюрмовди, сен ҳам мени ташлаб, укаларингнинг кўзларини жавдиратиб, бир тупкада юрсанг, мен куймай ким куйсин!* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз.

ТУПЛАМОҚ *айн.* **тупурмоқ.** *Балғам тупламоқ. Оғзидаги носвойни туплаб ташламоқ.* ▬ *Элликбоши.. лой ва қон аралаш туплайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУППА 1 Суюқ ош учун уграга нисбатан энлироқ қилиб тайёрланадиган узма ёки кесма хамир. *Увраға уқувинг йўқ, паловни ланж қиласан, сомсани ёполмайсан, туппани кесолмайсан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Шундай хамир солиб пиширилган суюқ ош. *Бир ой ўтмай, қавм-қариндошларининг ҳам зиёфатлари ниҳоясига етиб, бева онасининг туппасига қаноат этишга мажбур бўлиб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТУППАК *с. т.* Лой соққани пуфлаб қуш отиш учун махсус ясалган қамиш най.

Туппак билан чумчуқ отмоқ. ▬ [*Овчи*] *Албатта, ёввойи тўнғиз овлаш учун қўлига қирғий ёки туппак кўтариб чиқмайди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТУППАКЧИ Туппак отувчи. *Мўмин туппакчи асли овчи эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТУПРОҚ 1 Ернинг ковлаш, чопиш, ҳайдаш, эзилиш ва ш.к. натижасида ҳосил бўлган юмшоқ қисми, қатлами. *Бир ҳовуч тупроқ. Тупроқ уюми. Ўрани тупроқ билан кўмиб ташламоқ. Тупроқ олсанг, олтин бўлсин.* Мақол. ▬ *Чуқурликлардан ирғитилаётган тупроқ окопларнинг чап қирғоқларида тоғ бўлиб кўтарилмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бўсағани тўрт энлик тупроқ қоплаган.* С. Сиёев. Ёруғлик.

2 Ер қобиғининг ўсимлик ризқ олиб ўсадиган устки қатлами; ер. *Қора тупроқ. Қумлоқ тупроқ. Тупроқ харитаси. Тупроқ-иқлим шароити.* ▬ *Мирзачўлнинг тупроғи Бўлар ёшликнинг боғи, Тошар севги булоғи, Тўлдириб дил жомимни.* Ё. Мирзо. *Шароитга қараб пайкалларга чигит суви бериляпти, чунки тупроқ қатламида нам анча камайиб қолди.* Газетадан. *Тупроқ — ҳосилнинг негизи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий шарт-шароитларидан ва ягона воситаларидан бири.* «Фан ва турмуш».

3 Ўлган кишининг хоки; хок. [*Қурбон ота:*] *«Бир сиқим тупроғим бегона юртда қолиб кетмаса экан», деган ўйга борди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

4 *кўчма* Маълум юрт, ўлка, мамлакатга қарашли ҳудуд. *Ҳозирги Ўзбекистон тупроғида яшаган қадимги халқлар ўзларининг мустақил, бой маданиятларига эга бўлганлар.* К. Яшин, Ҳамза. *Улар энди Мовароуннаҳр тупроғида эдилар. Бу рўйи замин дунёдаги энг гўзал ва энг муқаддас мамлакат эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

(Бу ернинг) тупроғи оғир Бу ерни ташлаб кетиш осон эмас, бу ерни ташлаб кетишга ҳеч кимнинг кўзи қиймайди. **Тупроқ билан тенг қилмоқ** Жуда пастга урмоқ, қадр-қимматини ерга урмоқ. *Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш, қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми?!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Қўшни халқларга босқинлар уюштирди, ўзга юртларни вайрон этди; ўша халқларнинг асрлар давомида вужудга келтирган маданий бойликларини тупроқ билан тенг қилди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Тупроқдан ташқари** Ўлмай, ҳаёт ҳолда. *Яраларимнинг ҳаммаси ҳам унча оғир эмас, мана, тупроқдан ташқари юрибман.* «Шарқ юлдузи». **Тупроққа топширмоқ** Дафн этмоқ, қабрга қўймоқ. *Ўғли Шодмонбекнинг Фарғона жангидан қайтмагани, уни ўз қўли билан тупроққа топширган Низомиддиннинг ҳам тупроққа қўшилиб кетгани ёмон из қолдирган бу усталар хонадонида анчадан буён хафақонлик, мотамсаролик ҳукм сурарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Тупроғи совимасдан** Вафот этганига кўп вақт бўлмай. *Қандай ота у.. Ойимнинг тупроғи совимасдан чўри қизга уйланадими?* Ойбек, Танланган асарлар. **Тупроғи тортмоқ** Туғилиб ўсган (ўз) жойи ундамоқ, жалб қилмоқ. *Бу ишлар — худонинг иши, халойиқ, Ё тупроғим, нон-насибам тортганди, Элни йиғинг, юринг, жовлиқ кетамиз.* «Юсуф ва Аҳмад». **Тупроғи шу ердан олинган** Асли шу ернинг одами, шу ернинг ўзиники деган маънони қайд этади. *-Дўсматов ўзимизники, — деди Сотволди, — Дўсматовнинг тупроғи шу ердан олинган. Ҳеч қаёққа кетолмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тупроғини яламоқ** Маълум жой, ҳудудда кўп йиллар муқим бўлмоқ. *..халқимнинг зулматли кечасида лоақал жинчироқ бўлармиканман, деб мадраса тупроғини олти йилдан бери ялаб келдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУПРОҚШУНОС Тупроқшунослик бўйича мутахассис олим. *Ўзбек тупроқшунослари. Тупроқшунос олим.* ▬ *Экспедиция таркибида тарихчи-археолог, тупроқшунос, табиатшунос ва ишчилар бор.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТУПРОҚШУНОСЛИК Тупроқ, унинг таркиби, турлари ва хусусиятларини ўрганадиган фан. *Тупроқшунослик институти.* ▬ *Тупроқ унумдорлигини ҳар томонлама пухта ўрганишга ҳамда қишлоқ хўжалиги фани ютуқлари асосида уни яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш — тупроқшуносликдаги асосий вазифалардан биридир.* «Фан ва турмуш».

ТУПУК 1 Оғиз бўшлиғида сўлак безлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва овқатни ҳазм қилиш учун хизмат қиладиган суюқлик. *Тупук ютмоқ.* ▬ *Овқат оғизда атала ҳолига келиб, тупук билан ара-*

лашгандан кейин ошқозонга, ундан ичакка ўтади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Шу суюқликнинг тупуриладиган бўлаги. *Қаҳратон қиш. Туп десангиз, тупугингиз музлайди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

ТУПУКЛАМОҚ Тупук билан ҳўлламоқ. *Тупуклаб ёпиштирмоқ. Ипнинг учини тупуклаб эшмоқ.*

ТУПУРИК *кам қўлл. айн.* **тупук.**

ТУПУРИКЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **тупукламоқ.**

ТУПУРМОҚ 1 Тупукни тил, лаб ёрдамида ташқарига ташламоқ, отмоқ. *Осмонга тупурсанг, бетингга тушар.* Мақол. ▬ *Руқия унинг олдига келиб, бир туртди, ғазабига чидолмай, «чирт» этказиб ёнига тупурди..* К. Яшин, Ҳамза.

2 Оғиздаги (оғизда тўпланган) қон, нос ва ш.к. ни ташқарига ташламоқ. *Оғзидаги носини тупуриб.. шимининг почасини шимариб, кетмон билан ўртага тушди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Бектемир тупроқ остидан эмаклаб чиқди. Оғзидан лой тупурди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Латофат ҳамон «қариқиз» ўтини тишлари билан кирсиллатиб узиб, тупуриб ташлар, олис қишлоқ ҳаётини эслатувчи қадрдон бир ис туярди димоғида.* Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг.

ТУР I Белгилари, хоссалари, вазифаси ва ш.к. жиҳатдан умумий бўлган бир гуруҳ ёки бутунлик ташкил этган нарсалар, ҳодисаларнинг хили, нави, кўриниши. *Пойабзал турлари. Газлама турлари. Спорт турлари. Қўшин тури (ҳарб).* ▬ *Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Закавказьеда алойнинг дарахтсимон тури ерга экиб ўстирилмоқда.* «Саодат». *Санъат турларининг ичида энг қийини рассомчилик.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Туризм ва экскурсия оммавий дам олишнинг энг қизиқарли турларидан бирига айланмоқда.* Газетадан.

2 *биол.* Ўсимлик ва ҳайвонлар тизимида бирор туркумга мансуб, алоҳида сифатга эга бўлган шакл, тасниф бирлиги. *Уссури қобони — япон чўчқасининг бир тури.* ▬ *Ирсият туфайли узоқ эволюция давомида пайдо бўлган асосий структуралар ҳамма турларда сақланиб қолади.* «Фан ва турмуш».

3 Баъзи белги билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, «тарз», «ҳолат», «аҳвол» маъноларини билдиради. *Элликбоши бир минут қадар сукут қилиб, ҳалиги «икки оғиз» сўзни қай турда бошлашни ўйлади-да, жилмайиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Бугун эрталаб домла бизникига келган эди, — деди Султонали жиддий турда.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТУР II [*фр.* tour — айлана, доира; айланма ҳаракат; минора] Даврали спорт мусобақаларида бир қур ўйин. *Шахмат турнирининг учинчи тури.* ▬ *Хоккей бўйича.. шарқий зонада қатнашаётган командаларнинг иккинчи давра биринчи тур учрашувлари ниҳоятда кескин кураш вазиятида ўтди.* Газетадан.

ТУРАНҒИ, туронғи Тераклинг тўқайларда, сув бўйларида ўсадиган бир тури. *Улар.. юлғун ва туранғи чангалининг томирларини ковлаб, тракторларга йўл очардилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Отларни туронғиларга боғлаб, катта ҳовуз бўйига ўтдилар.* Э. Самандар, Тангри қудуғи. *Бир туронғи тагига бориб тушдик.. Шундан кейин бу туронғи ости бизнинг учрашадиган-ўтирадиган жойимиз бўлиб қолди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ТУРБАТ [*а.* تربت — ер, тупроқ; қабр, гўр, мақбара] **1** *эск. кт.* Тупроқ, ер. *Турбатимдин қон ютиб, лола унар.* Муаззамхон.

2 *кўчма.* Қабр, сағана, мақбара. *-Шу турбатда истироҳат қилиб ётган Хўжаубон ҳазратлари, — деб фаррош қабрни кўрсатибди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ТУРБИНА [*фр.* turbine < *лот.* turbo, turbinis — қуюн, уюрма; шиддатли айланиш] Сув, буғ ёки газ кучи билан ишлайдиган двигатель. *Буғ турбинаси. Газ турбинаси. Турбина заводи.* ▬ *Турбиналардан чиқиб келаётган ҳавонинг шиддати довул кучига эга.* Газетадан. *..буғ турбиналари ўрнига газ турбиналарини ишлатиш катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.* Газетадан.

ТУРБИНАЛИ Турбинага эга бўлган, турбина ўрнатилган. *Буғ турбинали электростанция.*

ТУРБИНАЧИ Турбина ишлаб чиқарувчи ёки турбинага қаровчи мутахассис. *Турбиначи слесарлар.*

ТУРБОБУР [*р.* турбобур < *лот.* turbo — қуюн, уюрма + *нем.* Bohrer — бурғи] *тех.* Чуқур қудуқларни (мас., газ, нефть қудуқларини) бурғилайдиган гидравлик аппа-

рат; бурғи. *Тез орада Газободга турбобур ускуналари етиб келди.* И. Раҳим, Тақдир.

ТУРБОГЕНЕРАТОР [*лот.* turbo – қуюн, уюрма + генератор] *тех.* Газ ёки буғ турбинасидан ҳаракат олиб, у билан бирга ишлайдиган электр генератор. *Реакторнинг иссиқлик алмаштиргичларида буғ вужудга келади ва у турбогенераторларни ҳаракатлантиради.* «Фан ва турмуш».

ТУРГАН-БИТГАНИ Бутун борлиғи, бутунлай. *Зайтун дарахтининг турган-битгани киши организми учун фойдали.* Газетадан. *Кечаси ҳаммани эснатиб мажлис ўтказади. Турган-битгани халақит бериш.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *Бош инженер айтганидек, Ёқубжоннинг турган-битгани пай.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ТУРДОШ Бир турдаги, бир хилдаги, бир хил. *Турдош касбларни эгалламоқ.* ▬ *Уларни* [*кадрларни*] *малака ошириш учун турдош корхоналарга юборяпмиз.* Газетадан.

Турдош от *тлш.* Бир турдаги предметларнинг номини англатадиган отлар.

ТУРИБ-ТУРИБ 1 Кўп вақт тик қолиб, кўп вақт ўтказиб. *У остона олдида туриб-туриб, орқасига қайтди.*

2 Орадан вақт ўтиб, баъзи-баъзида, такрор ҳолда. *Унинг гаплари туриб-туриб менга алам қиляпти.* ▬ *Туриб-туриб беҳуда хаёллар чулғаб олади. Не машаққатлар билан борганимдан кейин,* [*Мироджон*] *яхши қабул қилса тузук.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

3 Кўп вақт фикр юритиб, ўйлаб-ўйлаб. *Меҳмон саволларимга жавоб бермасдан, туриб-туриб, тўсатдан: -Думли одамларни кўрганмисиз? – деди.* «Гулдаста».

ТУРИЗМ [*фр.* tourisme < tour – айланиш, сайр (саёҳат) қилиш] **1** Ҳам дунёни кўриш, билиш, ўрганиш, ҳам дам олиш мақсадида ташкил эдиладиган сайр-саёҳат. *Халқаро туризм.* ▬ *Сахий қуёш, тинчлик ва саховат ўлкаси бўлган республикамизга жаҳоннинг турли мамлакатларидан кўплаб туризм ва саёҳат ишқибозлари келмоқдалар.* Газетадан. *Туризмнинг тобора ривожланаётганини эътиборга олиб, туристик поездлар маршрути янада кўпайтирилади.* «Фан ва турмуш».

2 *спрт.* Организмни жисмоний чиниқтириш мақсадида уюштириладиган жамоавий юришлар, сафарлар.

ТУРИСТ [*фр.* touriste – сайёҳ] Туризм билан шуғулланувчи шахс; туристик саёҳат, юриш қатнашчиси. *Чет эллик туристлар.* ▬ *Йигитали лола сайлига бир неча кун тайёргарлик кўрди. Прокат [ижара]дан палатка, ҳатто туристларнинг қозонтовоғини ҳам олиб келди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ТУРИСТИК Туризмга, туристларга оид. *Туристик саёҳат. Туристик йўлланма.* ▬ *Бўстонлиқ туманидаги «Чимён» туристик мажмуаси ҳам қишки дам олиш мавсумини қизғин бошлади.* Газетадан. *Депонинг ишлаб чиқариш илғорлари Самарқанд-Бухоро туристик поездида ҳам мароқли сафар қилдилар.* Газетадан.

ТУРИШ 1 Турмоқ фл. ҳар. н. *Қўшни қўшнидан эрта туришни ўрганади.* Мақол. ▬ *Гулнор.. оёқда туришга ожиз, тинкаси қуриган бир хаста каби, умидсизлик билан яна секингина ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабек бу хабарни совуққина эшитиб ўтирар ва фотиҳа ўқиб, туришга ҳозирланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Муайян ҳолат, вазият, аҳвол. *Бу туришда иш битмайди. Шахмат ўйини шу туришда кечиктирилди. Туришидан у сенга ўхшаб кетади.* ▬ *Боядан бери густохона сўзларни бисёр айтган бўлса-да, Авазнинг бу туриши хонга ёқди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Туриш бермоқ Бардош бермоқ, чидаш бермоқ, чидамоқ. *Бай-бай.. мен еган қаймоқларни ариқ қилиб оқизсангиз, ҳеч қандай тўғон туриш бермайди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун. *Асло қочмай, беринг туриш, Шердай бўп қилинглар хуруш.* «Юсуф ва Аҳмад».

ТУРИШ-ТУРМУШ Шахснинг ҳаёт тарзи, аҳволи. *У* [*Сидиқжон*] *Шарофатнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазмаслиги, туриш-турмушини кўрсатиш керак экани тўғрисида ўйлаганида, бу туриш-турмуш туфайли, оз бўлса-да, хижолат тортишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУРК 1 Туркия давлати асосий, туб аҳолисининг, миллатининг номи. *Турк халқи. Турк миллати* (*қ.* **турклар**).

2 Шу халқ, миллатга тегишли, мансуб, оид. *Турк аёли. Турк тили.*

ТУРКИГЎЙ [туркий + *ф.* گوی – сўзловчи, гапирувчи] *эск.* Туркий тилда ўқувчи ва ёзувчи. *Туркигўй шоир.*

ТУРКИЙ Турк этноси, унинг тили ва маданиятига оид (*қ.* **турклар 2**). *Туркий тиллар. Туркий халқлар.*

ТУРКИЙЛАР Жаҳондаги энг қадимий ва йирик этнослардан бири (*яна қ.* **турклар 2**).

ТУРКИЙШУНОС [туркий + *ф.* شناس – ўрганувчи] Туркийшунослик бўйича мутахассис, олим.

ТУРКИЙШУНОСЛИК Туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг тиллари, этнографияси, тарихи, адабиёти, фольклори, маданиятини ўрганувчи гуманитар фанлар мажмуи.

ТУРКЛАР 1 Туркиянинг асосий, туркий бўлган халқи.

2 Туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқларнинг умумий номи.

ТУРКМАН 1 Туркманистоннинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ ва миллат номи. *Туркман халқи. Туркман миллати* (*қ.* **туркманлар**).

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли. *Туркман тили. Туркман маданияти.*

ТУРКМАНИ 1 Туркманларга хос, туркманларга оид. *Туркмани телпак. Туркмани чакмон.*

2 Майизнинг бир нави.

ТУРКМАНЛАР Туркманистоннинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ; туркман халқи.

ТУРКМАНЧА 1 Туркманларга, туркман халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Туркманча рақс. Туркманча кийим.*

2 Туркман тили. *Сиз туркманча(ни) биласизми? Туркманча гапирмоқ.*

ТУРКОЛОГ Туркология мутахассиси, олим. *яна қ.* **туркийшунос**.

ТУРКОЛОГИК Туркийшуносликка оид. *Туркологик адабиёт. Туркологик тадқиқотлар.*

ТУРКОЛОГИЯ [туркий + *юн.* logos – фан, тушунча] *қ.* **туркийшунослик.**

ТУРКОНА 1 *эск.* Туркий тил ва адабиётига оид; туркий. *Туркона байт.* ▬ *Келиннинг атрофида, орқасида келаётган гуруҳ-гуруҳ аёллар туркона расм билан «ёр-ёр» айтдилар.* Ойбек, Навоий.

2 Халқ табобатига оид; хонаки. *Туркона дори.* ▬ *Отинларнинг туркона эми тариқча бўлсин отамга таъсир бермади.* Ғайратий, Ёшлигимсиз. *Яраш полвон кекса момоларнинг тилига кириб, хотинини туркона муолажа қилдирди. Фойда чиқмади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ТУРКУМ 1 Тўда, тўп, гуруҳ. *Бир туркум одамлар.* ▬ *Учинчи туркум фотиҳахонлар келгандан сўнг, махдум Анвар олдига киши юбориб, уни чақиртириб келишга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳовли ўртасида оламни бошига кўтариб Улуғбуви йиғлар, бир туркум хотинлар унинг атрофини ўраган эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Бир-бирига боғлиқ бўлган, бир бутунни ташкил этган бир неча асар, маъруза ва ш.к.; давра, цикл. *Пахтакорлар ҳақидаги шеърлар туркуми. Адабиёт назариясидан маърузалар туркуми.* ▬ *Сатирик журналистикада фельетонлар ва памфлетлар туркуми ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз ҳажми ва имкониятлари билан повесть жанрига яқин туради.* «ЎТА».

3 *биол.* Ўсимлик ва ҳайвонлар тизимида бир неча оилани ўз ичига олган бўлинма. *Чумчуқсимон қушлар туркумининг қарғасимонлар оиласи.* ▬ *Қалдирғоч – чумчуқсимонлар туркумига мансуб қуш.* «Фан ва турмуш».

Сўз туркумлари *тлш.* Сўзларнинг лексик-семантик, грамматик гуруҳлари. *Феъл туркуми. Сифат туркуми. Сўзларни туркумларга ажратмоқ.*

ТУРКУМЛАМОҚ 1 Тўп-тўп қилиб бўлмоқ, гурухларга ажратмоқ.

2 *биол.* Биологик белгисига кўра ўхшаш бўлган туркумларни белгиламоқ, ана шундай гуруҳларга ажратмоқ, бўлмоқ. *Балиқларни туркумламоқ.*

ТУРКЧА 1 Туркларга, турк халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид (*қ.* **турклар 1**). *Туркча куй.* ▬ *Домла эски муқовали туркча китобларни ихлос билан қўлтиқлаб юрувчи, ҳеч кимни менсимайдиган, кибр ва фитна Мирзажон Латифийни синфга бошлаб кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Турк тили. *Туркча сўзлашмоқ.* ▬ *Мен туркчага, у ўзбекчага сал-пал тушунадиган бўлиб қолган эдик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Улар туркчага ўгириб, саводхонларга тарқатади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТУРКЧИ *эск.* Пантуркизм тарафдори, пантуркист.

ТУРКЧИЛИК *эск. айн.* **пантуркизм.**

ТУРЛАМОҚ 1 Турли-туман, ранг-баранг қилмоқ, ҳар хил, хилма-хил қилмоқ. *Экинларни жуда турлаб юборибсиз-ку!*

2 Бир-бирига мослаб, уйғунлаштириб танламоқ, хилламоқ. *-Осмон каби катта палакни хилма-хил ипак билан турлаб, уч ойда тикиб тугатармиканман? — ўз-ўзига шивирлади Зумрад.* Ойбек, Улуғ йўл.

3 *тлш.* Сўзларни келишик қўшимчалари қўшиб ўзгартирмоқ. *Отларни келишиклар билан турламоқ.*

ТУРЛАНИШ 1 Турланмоқ 1 фл. ҳар. н. *Ипакларнинг қуёшда турланиши.*

2 Ҳар хил тусда кўриниш, товланиш.

3 *тлш.* От, олмош ва отлашган сўзларнинг келишик қўшимчалари олиб ўзгариши. *Отларнинг турланиши.*

ТУРЛАНМОҚ 1 Турламоқ 1, 2 фл. мажҳ. н. *Дўппининг гуллари жуда яхши турланибди.* ▬ *Сирлар билан турланган қозиқларнинг бирига бева хотиннинг декчасидек бир салла илинган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Зиёфат самимият билан чақирилганликдан, дастурхон қадрли меҳмонга махсус турланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳар хил тусда кўринмоқ; қиёфаси тез-тез ўзгармоқ. *Хилма-хил чечаклар билан қопланган дала турланиб кўринарди.* ▬ *Табиатнинг қонуни — турланиб, тусланиб туриши бутун мавжудотга ҳаёт бағишлайди.* Газетадан. *У* [*Жаннат*] *бирон икки соат уч бор турланди: кийимлари беҳисоб эканлигини кимгадир кўрсатмоқчи бўларди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ўқимаган одамга қийин бўлади. Ахир артист минг турланади-я.* С. Кароматов, Ҳижрон.

3 Турламоқ 3 фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Отлар келишиклар билан турланади.* ▬ *От ўрнида қўлланган сифатлар кўплик, эгалик ва келишик қўшимчалари билан, худди отлардек, турлана беради.* «Ўзбек тили» дарслиги.

ТУРЛИ 1 Белги-хусусияти, ҳолати, жойлашиш ўрни ва б. жиҳатлари билан ўзаро фарқланадиган, ҳар хил турга мансуб бўлган, ҳар хил. *Турли халқ вакиллари. Турли тилда сўзлашувчи кишилар. Турли овозлар. Турли китоблар. Турли таомлар. Турли мамлакат вакиллари. Турли соҳалар.* ▬ *Бойвачча ўзининг фарғоналик дўстлари билан бўлган ўтиришларидан, ҳар турли зиёфатлардан сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мамлакатимизнинг турли иқлимий зоналарида ўсувчи ўсимликлар турли вақтларда гуллайди.* «Фан ва турмуш».

Бир турли 1) бир хил, доим бирдек бўлиб, ўзгармай турадиган. *Бу ошхонада доим бир турли овқат бўлади.* ▬ *Қизлар ўзларининг бир турлигина сўрашишлари билан Кумуш ила кўриша бошладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) қандайдир бошқача; ғалати бир, ўзига хос бир; ажиб. *Бу қизнинг ўзига хос бир турли фазилати бор эди.* ▬ *Отабек қизиқ ҳолатда қолди: бир турли титраб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсумбиби йўрғалай кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кам қўлл.* Каби, сингари, ўхшаш, янглиғ. *Илон тилли, яшин турли ханжарни, Обрў бер, деб хипча белга боғлади.* «Равшан».

ТУРЛИ-ТУМАН Хилма-хил, ҳар хил. *Турли-туман хаёлларга бормоқ.* ▬ *Бу чироқлар турли-туман эди: уларнинг ичида каттаси ҳам, кичиги ҳам, чақнаб тургани ҳам, хираси ҳам, оқи ҳам, қизғиш тусдагиси ҳам бор эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Она табиат инсонга турли-туман неъматларни инъом этиб, унга ҳаёт бағишлаб туради.* Газетадан.

ТУРЛИЧА Турли усулда, турли равишда, турли йўл билан; ҳар хил. *Бу масалани турлича ечиш мумкин. Бир гапни турлича тушунмоқ.* ▬ *Грейдернинг ёрдамчи куч сўраб берган телеграмма, радиограммаларига турлича ноаниқ жавоблар келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳар хил миллат кишиларининг одатлари, хислатлари турлича бўлса-да, душманга зарба беришига ишончим комил эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТУРМА [*р.* тюрьма < *т.* турма — қамоқ] *қ.* **қамоқхона, қамоқ.** *Турмага солмоқ. Турмага қамамоқ.* ▬ *Ҳоким учта маҳбусни шаҳар турмасига жўнатганда, ўшаларни Қудрат акам қочириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУРМАК Ўраб ёки тугиб боғланган нарса; боғ, тугун. *Оқ ҳарир кўйлакли, қора зулфининг турмаги ечилиб, елкаларига тушган паришон қиёфадаги қиз оёғи билан супа лабидаги чувагини қидира бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТУРМАКЛАМОҚ 1 Ўраб ёки тугиб боғламоқ. *Майда-чуйда нарсаларимни турмак-*

лаб, Тошкентга жўнайдиган поездга тушдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Нимагадир орқасидан икки ўрим узун сочини бошига турмаклаб олди.* С. Зуннунова, Узилган ип. *У* [*Мунаввара*] *турмаклаб қўйилган дуррачасини ечиб, серкокил сочларини орқасига ташлади.* Газетадан.

2 Этагини, барини кўтариб, белга боғламоқ, бар урмоқ. *Сувчи яктагининг этагини белига турмаклаб олди.* ▬ *..устига Бухоронинг олабайроқ матосидан чопон кийиб, камар ўрнига чопонини турмаклаган муллавамо бир зот бўлиб, бу киши яроқсиз [қуролсиз] эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУРМАЛМОҚ *кам. қўлл.* Турмаклаб боғланмоқ, турмакланмоқ. *Ханнаянинг сақичдай қора қуюқ сочи икки қубба қилиб бошига турмалган.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

ТУРМАЧИ *с.т.* Турма назоратчиси.

ТУРМИНЛАМОҚ *қ.* **тамбаламоқ.** *-Опоч, — Карвон хотинига юмшоққина деди, — Меҳмонларингизни кузатиб, эшикни турминлаб келинг, икки оғиз гап бор.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ТУРМОҚ 1 Оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ. *Оёқ учида турмоқ. Саф тортиб турмоқ. Кўча бошида турган йигит. Тиз чўкиб яшагандан тик туриб ўлган яхшироқ.* Мақол. ▬ [*Йўлчи*] *Қўл қовуштирмади, қандайдир хомушлик, бепарволик билан жимгина турди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кирсам, Кўқонга кетган Қаюм понсад уч-тўрт йигити билан қушбегининг қаршисида турибди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ. *Токчада турган соат. Кўча четида турган машина.* ▬ *Мадраса томи қиррасида туриб, пастдан пақирда арқон билан сув тортиб олаётган йигит.. ғишт тарашлаб ўтирган кекса одамга ўзга тилда бир нима деди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўқ отиш нуқталарида қоровул пулемётчилар турибди..* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Бир ҳафта турган бўлсак, ҳар куни олтмиш хонадондан дастурхон чиқади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Биз катта ишлар, улуғ ўзгаришлар арафасида турибмиз.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. *Аскарларимиз дадил туриб, душманга талафот етказар эдилар.* Газетадан. *Бизнинг гапимизни икки қилмайсиз, нима хизмат бўлса, белни боғлаб шай турасиз.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Инсон қалбида улуғ ва савобли ишларни қилиш истаги борми, у тек туролмайди.* Газетадан.

3 Бирор жой-маконда истиқомат қилмоқ, ҳаёт кечирмоқ; яшамоқ. *Муллажон амаким бозорга шундай яқин Гулзоробод маҳалласида турадилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..саксон учга кирган амакимиз борлар. Шаҳарда турадилар.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ваққос отанинг бу йил қишлоқда иши кўп бўлгани учун Омил ҳам Нодирларникида турадиган бўлди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

4 Умр кўрмоқ, яшамоқ; яшаб кетмоқ. *Дунё тургунча туринг. Шу аёл билан икки йил турди. Тўнғич фарзанди турмади.* ▬ [*Қумри*] *Боласи турмай-турмай, якка-ёлғиз арзандаси Турсунбойни, шамолни ҳам раво кўрмай, авайлаб боқиб катта қилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

5 Ўзи бирикиб келган сўз англатган жой, соҳа, вазифа ва ш.к. да ишлаш, шундай ишвазифани бажариш маъносини билдиради. *Мудофаада турмоқ. Қоровул турмоқ.* ▬ *Тишдан қараганда эски, кўримсиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Кутган ҳолда бўлмоқ, бўлиши, юз бериши, келиши умидида бўлмоқ, шу мақсадда ўзини тутмоқ. *Бир оз турайлик-чи, зора келиб қолса. Шунча турдик, яна сабр қилайлик-чи, ишимиз юришиб қолар.*

7 Ишлатилмай, сарфланмай, бузилмай, ўз мавжуд ҳолатида бўлмоқ; сақланмоқ. *Юборган нарсаларинг ҳаммаси турибди. Қирқма қовун кўп туради. Картошка, сабзи каби маҳсулотлар махсус ўраларда яхши туради.*

8 Навбатда, қаторда мавжуд бўлмоқ; бор бўлмоқ. *Чорвадорларимиз олдида жуда муҳим вазифалар турибди.* Газетадан. *Бугунги кунда инсоният олдида ниҳоят муҳим муаммо турибди, у ҳам бўлса, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш.* Газетадан. *Сизларнинг олдингизда деҳқончиликларингизни йўлга қўйиб юбориш вазифаси туради.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

9 Ўзи бирикиб келган сўз англатган даража, мавқе, қиймат ва ш.к. га эгаликни билдиради. [*Ёрмат*] *Ҳаммасини тушунтирди: от, арава беш минг сўм туради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бизнинг жамиятимизда*

инсон нурдек покиза, нондек азиз, у ҳар қандай бойликдан юқори туради. Газетадан.

10 Ётган, ўтирган ва ш.к. ҳолатдан гавдасини тик ҳолатга олмоқ, қаддини тикламоқ. *У ваннада қанча ётгани билан дили равшан тортмаслигини билиб, ўрнидан турди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Шийпонда ўтирган Нодир бобосини кўриб, шошиб ўрнидан турди-ю, кўнгли бузилиб, салом беришниям унутди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

11 Уйғониб, ўрнидан қўзғалмоқ, ўрнини тарк этмоқ. *Меъмор барвақт туриб, уч шогирди билан бирга ташқари ҳовлида нонушта қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Эрталаб булбулларнинг хонишидан барвақт туриб, узумзор, пахтазорларни айландик.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

12 *кўчма* Ҳаракатга келмоқ, қўзғалмоқ, кўтарилмоқ (шамол, чанг-тўзон ва ш.к. ҳақида). *Кейин довул турди.. Мўйтанлар қоча бошлади.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Шамол турди, чинор япроқларининг сояси титрай бошлади.* Газетадан.

13 *ёрд. фл. взф.* Равишдошнинг **-(и)б**, **-а/-й** қўшимчали шакллари билан қўлланиб, етакчи феъл билдирган ҳаракатнинг давомлилиги, вақтинчалик ҳаракат экани ва б. маъноларни билдиради. *Қатнаб турмоқ. Сўраб турмоқ. Бақрайиб турмоқ. Ишлаб турмоқ.* ▬ *Эшик очиқ бўлгани учун ичкаридан футбол комментаторининг узуқ-юлуқ овози эшитилиб турарди.* Ф. Мусажонов, Нозик масала. *Сартарошлик ёмон касб эмас. Оппоқ халатларни кийиб, атир-упалар ҳиди бурқираб турган озода хонада ўтирасан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Бир оз туриб Бир оздан сўнг, бирпас ўтиб. *-Ўқимасанг, ўқимассан. — Кейин бир оз туриб сўрадилар: -Ҳайдавордими?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Бориб турган** *қ.* **бормоқ**. **Куракда турмайдиган** *қ.* **курак**. **Оёққа турмоқ** 1) оёққа таянган ҳолда турмоқ, қўзғалиб тик турмоқ. *У нутқини.. тугатганда, бутун зал оёққа туриб, гулдурос қарсак чалди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) соғайиб қаддини ростламоқ, турадиган-юрадиган бўлмоқ. *Хуррамов шифо жойларида узоқ даволаниб, охири оёққа турди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. **Турган гап** Бирор иш, воқеа-ҳодисанинг сўзсиз юз бериши-бермаслигини, аниқлигини қайд этади. *Масъул лавозимдаги ходим етти ўлчаб, бир кесмаса, унинг хатоси қимматга тушиши турган гап.* Газетадан. **Туриб олмоқ** Бирор талаб, даъво ва ш.к. дан қайтмаслик, фақат ўшани ҳимоя қилмоқ. *Бормайман, деб туриб олди.* ▬ *Мен* [*ўқимайман деб*] *сўзимда туриб олдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **У ёқда турсин** Фақат угина (унигина) эмас, ҳатто.. *Қўрқоқ одам жангда ўзини йўқотиб қўйиши аён, ҳужум у ёқда турсин, ўзини ҳимоя қилишни ҳам унутади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Меъмор.. ҳозир тунда Арк томон бориш у ёқда турсин, шаҳар кўчаларида юриш ҳам мушкул эканини тушунди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Қараб турмоқ (***ёки* **ўтирмоқ)** 1) синчиклаб қарамоқ, разм солмоқ, тикилмоқ. *-Қизиқ! — деди ҳоким чолга қараб туриб. Унинг сўзи оҳангида масхаралаш ҳам бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) бирор кимса ёки нарсага кўз-қулоқ бўлиб турмоқ ёки парвариш қилмоқ. *Мен болага қараб турдим, онаси нон ёпди.* ▬ *Саройда бирмунча молларимиз бўлар эди.* [*Ҳасанали*] *Саройда молларга қараб турадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) (*асосан бўлишсиз шаклда*) Иш-машғулотсиз ҳолда бўлмаслик, бирор нарса қилмай, жим ҳолатда бўлмаслик. *Сиз уй солсангиз, мен ҳам қараб турмайман.* ▬ [*Йўлчи:*] *Мен қараб турмадим: пода боқдим, ўроқчилик қилдим, отбоқар бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар; [*Бой:*] *Биттаси манми? Биттаси Шоюнус карвонми? Ҳар кимнинг кармони ўзига маълум. Аммо бизлар қараб турмаймиз, қўлдан келганча, ҳукуматга ёрдам берамиз.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қил устида турмоқ** Жиддий хавф остида бўлмоқ, ҳалокат ёқасида бўлмоқ. *Унинг ҳаёти қил устида турарди.* О. Ёқубов, Диёнат.

ТУРМУШ 1 Инсоннинг, миллат ва халқнинг яшаш, кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти. *Ёрқин турмуш. Фаровон турмуш кечирмоқ.* ▬ *Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Турмуш қаттиқчилигини татиб пишган Ботирали дунёда мўъжиза бўлмаслигини яхши билади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ўрмондаги турмушни ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Ҳар бир қултум сув, ҳар бир бурда нон ҳисобли.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Умарали қисқа вақт ичида ўз ҳаётида юз берган ўзгаришларни эслади, кейин Ғозининг бетайин турмушини кўз олдига келтирди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Бирор халқ, ижтимоий гуруҳ ва ш. к. га хос ҳаёт тарзи, урф-одатлар, расм-таомиллар мажмуи. *Янги турмуш.* ▬ *Гавҳарнинг қаршисида, боя ўзи ўйлагандек, олифта кийинишни яхши кўрадиган қиз эмас, кўпни кўрган, турмушнинг пасту баланд сўқмоқларидан ўтиб келган инсон ўтирар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Айб сизда ҳам эмас, эски турмушда. Эски турмушда хотинлар ҳар қанақа эркакдан тортинади, эркаклар ҳар қанақа хотинга тегишгиси келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *флс.* Жамиятнинг оддий ҳаёт шарт-шароитлари мажмуи, объектив реаллик. *Турмуш онгни белгилайди.* ▬ *Қонунни турмушга сингдириб юборувчи асосий куч бизнинг ўқитувчиларимиздир.* Газетадан.

4 *с.т.* Никоҳ асосида юзага келадиган ҳаёт, эр-хотинлик ҳолати, шу ҳолатдаги ҳаёти. *Бегимхоннинг кўз олдида харита эмас, Эрали жонланди. Қандай тотли эди уларнинг турмуши!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У турмуши омонат эканини, қачондир оиласи бузилишини кўпдан кўнгли сезиб юрар, аммо бунчалик шарманда бўлишини ўйламаган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Турмуш(и) бузилмоқ Эр-хотинлик ҳолати ва шу ҳолатдаги ҳаёт барҳам топмоқ. *Агар шундай ташлаб қўйила берса.. ўртага совуқчилик тушади, оқибатда турмушлари бузилади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Турмуш ўртоғи** Эр-хотинлик ҳолатидаги шахснинг ҳар бири (эр ва хотин бир-бирига нисбатан). *Рустам уйига ширакайф келди. Бир оздан сўнг турмуш ўртоғи Шоҳиста ҳам ишдан қайтди.* Газетадан. **Турмуш қилмоқ** 1) *айн.* **турмушга чиқмоқ.** *Шу бола ўксимасин, деб турмуш қилмадим, нон заводига кириб ишлаб, ўғлимни ўқитишга киришдим.* «Муштум». 2) эр-хотинлик ҳолатида яшамоқ. *Йигирма йил турмуш қилиб, бола кўрмадим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бироқ найрангбоз Абдувоҳид Ҳурихон Сатторова билан ҳам силлиққина турмуш қилиб кета қолмади.* «Муштум». **Турмуш қурмоқ** *қ.* **турмуш қилмоқ.** *Она шўрлик йигирма икки ёшида бева қолиб, шу-шу турмуш қурмади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Турмуш қурганига уч йил бўлибди-ю, ҳамон бу уйга кўникиб кетолмайди.* Газетадан. **Турмушга чиқмоқ** Эркак билан оила қурмоқ; эрга тегмоқ. *Қизларнинг эрки ўзида, севиб, синашиб турмушга чиқишади.* «Гулдаста». *Тўртинчи синфга ўтганимда, онам ўзи билан мактабда ишлайдиган ўқитувчига турмушга чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 Кишининг бутун борлиғи, бўлган-тургани. *Унинг турмуши шу.*

ТУРМУШЛАМОҚ 1 Қайтариб белга қистирмоқ, бар урмоқ, турмакламоқ. *Этак турмушлаб, ёнбошига бир муштлаб, ҳайёҳу деб, шаҳардан ташқарига қараб йўлга равона бўлдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Ўраб, тугиб боғламоқ, сиқиб, ихчамлаб ўрамоқ. *Ёғни бир қоғозга солиб, турмушлаб, липпамга қистирдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТУРНА Иссиқ ўлкаларда ботқоқлик ва кўлларда яшайдиган, оёғи, бўйни, тумшуғи узун, бошида тожи (сочи) бор кўчманчи қуш. *Арғимчоққа ўхшаб тизилишган турналар..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўлкамизга навбаҳор элчилари — турналар ва қалдирғочлар учиб кела бошладилар.* Газетадан. *Сочнинг оқариши инсонлар хусусиятидир, лекин турналарнинг қариган вақтида сочи-тожи кулрангликдан қораликка алмашади.* Газетадан.

Турна қатор, турнақатор Қатор бўлиб тизилган, бирининг кетидан бири. *Оғир юк машиналари турна қатор бўлиб тош-бетон тўкканлари — бари кўз олдимда.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *Фақатгина уч ойда бир сув берадиган жўмрак бор. Бу ерда ҳам тоғора кўтарган кишилар турна қатор тузилишиб туради.* «Муштум». *Мана шу овозадан сўнг уйимизга турна қатор совчилар кела бошлади.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ТУРНИК [*фр.* tourner — айлантирмоқ, бурамоқ] Икки устунга горизонтал ҳолатда ўрнатилган темир тўсиндан иборат гимнастика снаряди, мосламаси. *Турникда гимнастика қилмоқ.* ▬ *Мана чинакам болалик: озода ва ёруғ синфларда ўқиш, мактаб саҳнида очиқ ҳавода физкультура машқлари қилиш, ёнғоқ олдидаги турникда осилиб, чархпалак бўлиш, шашка-шахмат ўйнаш, қўшиқлар айтиш.. Мана болалик!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУРНИКЕТ [*фр.* tourniquet < tourner — айлантирмоқ, бурмоқ] Биноларнинг кириш жойларида, вестибюлларда ўрнатиладиган, ташриф буюрувчиларни битта-биттадан ўтказиш учун мўлжалланган, айланиб турадиган крест шаклли металл тўсиқ, ғов.

ТУРНИР [*нем.* Turnier – рицарларнинг ҳарбий мусобақаси] Спортнинг шахмат, шашка, футбол ва ш.к. турларида қатнашувчиларнинг ҳар бири шахсий ёки жамоавий биринчилик учун маълум тартибда, барча қатнашувчилар билан бир ёки бир неча мартадан учрашадиган мусобақа. *Халқаро шахмат турнири. Турнир жадвали.* ▬ *Расмий мусобақалардан ташқари оила аъзолари ўртасида ҳам ҳар хил турнир, матчлар ўтказиб турилади.* М. Муҳиддинов, Доналар мафтуни.

ТУРОБ 1 [*а.* تراب – чанг, гард; хок; тупроқ, ер] *эск. кт.* Тупроқ; ер. *Хоҳишингча ўлмас эрса, коинот ўлсун туроб, Саргардон қон йиғласун ҳам ерга кирсун офтоб.* Ҳабибий.

2 Туроб (эркаклар исми).

ТУРОҚ I *кам қўлл.* Турадиган жой, маскан. *Сокин-сафоли туроқ: Ўн икки булоқ! Жилдираган чашмалар Ўн икки сингли..* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

ТУРОҚ II *ад.* Шеър мисраларида бўғинларнинг мисралар бўйича такрорланиб келган муайян бўлаги, қисми. *Тўрт бўғинли туроқ.* ▬ *Шеърда қофия, вазн, туроқ деган нарсалар бўлиши керак. Маъно, мантиқ.. бўлиши керак.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. *Байт мисралари баъзан қофиядош сўзлар воситасида санъаткорона иккига бўлиниб, туроқ ҳосил қилиш орқали, байт оҳангдорлиги, таъсирчанлиги орттирилади..* «ЎТА».

ТУРОҚЛИ *ад.* Маълум туроқларга эга бўлган. *Тўрт туроқли шеър.*

ТУРП I Ҳосили кўкишроқ рангда бўладиган ва пиширилмай овқатга қўшиб ейиладиган сабзавот ўсимлиги. *Турпга сув қўймоқ. Турп тўғрамоқ.* ▬ *Шўрни аритиш учун.. сувни кўп талаб қиладиган шолғом ва турп экиш энг яхши чора эмиш.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кекса темирчи чучук турп билан ош ейишни севарди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Бу пайт.. графинда коньяк билан икки ликопча тўғралган турп қўйиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТУРП II Меванинг сиқиб суви ёки шираси олингандан кейин ҳосил бўлган қолдиғи. *Узум турпи. Беҳи турпи.* ▬ *Нормат паранг кўкнор ивитганда, турпини доим томга ташлар экан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Дарвоқе,* [*ананас*] *мевасидан шарбат олинганда, 20-25 процент турпи қолади.* «Фан ва турмуш».

ТУРПТАРАШ Сабзи, турп, ошқовоқ ва ш. к. ни қириш, тарашлаш учун хизмат қиладиган металл асбоб; қирғич. *Турптарашда сабзи қирмоқ.*

ТУРТИНИБ-СУРТИНИБ 1 У-бу нарсаларга урилиб, туртина-туртина. *У* [*Нусратилла*] *туртиниб-суртиниб, деворларни ушлаб, қайси томонгадир юрди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Шермат ака одамларга туртиниб-суртиниб, олдинга ўтди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

2 Қийинчиликлар билан, қийналиб. *Туртиниб-суртиниб ўқимоқ.*

ТУРТИНМОҚ 1 Туртмоқ 1 фл. ўзл. н. *Қоронғида стулга туртиниб кетдим.* ▬ *Поччамдан дастурхонни олиб, қоқиш учун гилоснинг ёнидан ўтарманми, аллакимга туртиниб кетдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Иш-фаолиятда қийинчиликка дуч келмоқ; қоқилмоқ. *Пахта ишида қуруқ практика билан иш кўрсанг, охир туртинасан, қоқиласан.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Сўнгги йилларда у анча туртинди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТУРТКИ 1 Унча қаттиқ, кучли бўлмаган қисқа, кескин зарб. *Ҳўкизга туртки, донога ишора кифоя.* Мақол. ▬ *Бир вақт у аллакимнинг турткисидан уйғониб кетди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Орқароқда қолган Витя аланглаб, одамларнинг турткиси ёқмай, қадам ташларди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 *кўчма* Бирор иш, ҳаракат ва ш. к. нинг бошланиши, амалга ошиши, юзага чиқиши учун қўзғатувчи, ундовчи нарса, сабаб. *Бу фикрларни айтишимга олимлар даврасидаги суҳбат туртки бўлди.* Газетадан. *Мен хаёлимдан дастлабки поэмаларимнинг яратилиши, унга сабаб бўлган воқеалар ва ёзилишига туртки бўлган одамларни ўтказа бошладим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Туртки бермоқ Қўзғатувчи, ундовчи гап-сўз, иш-ҳаракат ва ш.к. вазифасини ўтамоқ, қилмоқ. *..бирда мурувватпеша, бирда жоҳилликдан ўзини унутадиган Муҳаммад Раҳимхон [Авазнинг] ҳам шафқатини уйғотар, ҳам нафратига туртки берарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *кўчма* Кишини хўрловчи, таҳқирловчи ҳаракат. *Яна меҳнат, туртки, юпун, қиш куни*

оч. Ғ. Ғулом. *Яна аввалги дўқу турткию тухматга ўтиб, Кўча-кўйларда сизни зор ила ҳайрон қиладир.* Ҳамза.

Туртки емоқ 1) туртки тегмоқ, турткига дучор бўлмоқ. *Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб, узоқ юрди.* Ойбек, Навоий; 2) хўрлик кўрмоқ, камситилмоқ, таҳқирланмоқ. *Саломат қақшоқ ўгай она билан чиқишолмади. Ҳар кун жанжал, эшитмаган гапи, емаган турткиси қолмади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТУРТКИЛАМОҚ 1 Ҳадеб туртавермоқ, бетўхтов туртмоқ. *Турткилаб Ҳасанни ҳам подшонинг олдига ҳайдаб келди.* «Баҳром ва Гуландом». *Ечиниб олишгач, уч оғайни бир-бирини турткилаб кулишар, қўшиқ айтиб, бесўнақай ўйинга тушишарди.* Газетадан.

2 *кўчма* Камситувчи, ҳақоратловчи, хўрловчи гап-сўз, хатти-ҳаракатлар қилмоқ. *Бу онанг ўгай. Агар турткиласа, индамай бизникига чиқиб келавер.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Инсон зотини ҳеч камситиб, турткилаб, иззат-нафсига тегма..* Газетадан.

ТУРТКИЧ *тех.* Двигателларнинг клапанлари ва ш.к. га ҳаракат узатиб турувчи стержень, ўқ. *Клапан турткичи.*

ТУРТМОҚ 1 Гавда (тана)нинг бирор аъзоси (қисми) билан тегинмоқ, тегмоқ. *Туртиб юбормоқ.* ▬ *Полвон одамларни итариб, туртиб ўтди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тўрт кун аввал, эрталаб машина туртиб кетди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Шундай ҳаракат — эътиборни тортувчи, ишора қилувчи, ундовчи белги сифатида. *Қайрағоч тагидаги сўрида олдига чойнак қўйиб, ёлғиз ўзи хаёл суриб ўтирган устани кўриб, ҳамроҳимни туртиб қўйдим.* С. Аҳмад, Хазина. *Аравакашнинг ички ҳолатини сезиб турган Бадиа чидаб туролмай, дарҳол отасини туртди: -Сув берайми, ота?* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Қайтанга икки нонхўр камаяди, — деди Баёнқул ака ва этигининг учи билан оёғимни туртди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *кўчма* Эътиборни тортувчи, огоҳлантирувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат қилмоқ. *Каримқул понсад ҳожини туртмак мақсадида: -Кенгашли иш тарқамас, деганлар. Ҳожи акамиз ўйлашиб жавоб берсинлар-чи, ахир! — деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йиғилиш жойида ўтди. У кишиларни анча туртиб, чангини қоқиб қўйди.. хотиржамликка берилиб кетганларнинг кўзини очиб қўйди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

4 *кўчма* Хўрламоқ, камситмоқ, ерга урмоқ. *Бировни ноҳақ туртиш, хўрлаш ярамайди. Ургандан туртган ёмон.* Мақол.

5 *с. т.* «Кетмоқ», «ўтмоқ», «қўймоқ» феъллари билан бирга келиб (бошқа нарсалар қаторида), «қайд қилмоқ», «таъкидламоқ» маъносини билдиради. *Биз юқорида ҳам туртиб ўтган эдикки, Отабек на Юсуфбек ҳожига, на Ўзбек ойимга ва на Ҳасаналига Марғилондан тез қайтиб келиш сабабини айтмаган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..бирор нарса ёзиш ниятлари бўлса, холамнинг ўзбек аёлларига мутлақо ёт бўлган мана шу ёввойилик одатларини ибрат учун қаламлари учида бир туртиб ўтсалар.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

Туртиб чиқмоқ Текис (тўғри) жойга, ҳолатга нисбатан бўртиб турмоқ, кўтарилиб турмоқ. *Деворнинг туртиб чиққан жойлари.* ▬ *Кулча юз, ёноқлари туртиб чиққан.. амирзода на Муҳаммад Тарағай ва на Бойсунқурга ўхшарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У кишининг бурни андак узунроқ, энгаги олдинга туртиб чиққан.. сочи фатила-фатила бўлиб, елкасига тушган эди.* Н. Аминов, Суварак.

ТУРУМ I (*3-ш. бирл.* **турми** *ва* **туруми**) Эшик табақасининг тепадаги ва остонадаги уяларга тушиб турадиган ва эшикнинг очилиб-ёпилишига имкон берадиган чиқиқ қисми. *Унинг [Мунавварнинг] кўз олдидан.. очилганда туруми антиқа ғийқиллайдиган пастаккина эски эшик, тоқиларини ис босган катта уй бир-бир ўтди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Бой ота: -Ҳай-ҳай, қизим, эшикни очманг, бекорга турми едирилиб кетади, — дебди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Эшикнинг турмини бузмоқ Такрор ҳолда, қадами узилмай келавермоқ (бўй етган қизнинг уйига келувчилар, совчилар ҳақида). *-Совчилар менинг дарвозамнинг турумини бузишяпти.., — деб қаттиқ изза қилди бизни.* С. Нуров, Нарвон. *Не-не топармон-тутармон йигитлар эшигимизнинг турумини бузиб, ўтарга йўл бермайди..* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ТУРУМ II: **ётиб еганга турум тоғ чидамайди** Ишламай-кучламай ётиб еяверсанг, ҳеч қандай жамғарма етмайди, деган маънодаги ибора. *Болаларим, мендан хафа бўлманглар. Ётиб еганга турум тоғ ҳам чида-*

майди. Пул устига пул келиб қўшилиб турмаса, ҳар қанча давлат ҳам дарров кетиб қолади. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ТУРУМТОЙ Йиртқич қушлар туркумининг лочинсимонлар оиласига мансуб, ўрмон ва тоғли жойларда яшайдиган қуш. *-Майли, булбуллар қаторида турумтойлар ҳам сайрай берсинлар. Буларни ҳам тингловчилар бор, — деди Амир Мўғул.* Ойбек, Навоий.

ТУРУШ [*ф.* ترش – нордон, аччиқ] **1** Ачитиш, ошириш ёки кўпчитиш воситаси (томизғи, хамиртуруш ва ш.к.).

2 Нордон, қимизак. *Туруш олма.*

ТУРФА [*а.* طرفه – янгилик, камёблик; совға; қочирим, пичинг] Ажиблиги билан кишини ҳайратга соладиган; ажойиб, ғалати. *Турфа савдолар бошима тушди, кетди ихтиёр, Воҳ, ўтарга ўхшади энди умр занжирда.* Ҳамза. *Шоирлар ҳайрон бўлманг, шоир халқи турфадир, Шеър олами бу оламнинг эвазига туҳфадир.* Э. Воҳидов.

ТУРШАК Данаги билан қуритилган ўрик. *Қандак туршак. Туршак солмоқ.* ▬ *Зебихон патнисда нон, туршак олиб чиқиб, улар* [*меҳмонлар*] *олдига қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Алоқачи ҳам оғзига туршак солиб шимиб ўтирар, данагини қасир-қасир чақар, мағзини ерди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

Туршак суви Туршакни сувда қайнатиб тайёрланадиган ичимлик. *Сайилда бир чеккада оғзи қулоғигача етган квас сотувчилар.. туршак суви сотувчилар, нўхатшўракчилар ёш болаларнинг пулларини алдаб олмоқдалар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *..ўрнидан турди-да, косадаги туршак сувидан икки-уч қошиқ ичди.* Газетадан.

ТУРҚ Ташқи қиёфа, авзо, важоҳат (асосан, салбий муносабат билан) *Турқи совуқ одам. Турқини бузмай гапирмоқ. Турқи(нг) қурсин! (қарғ.) Турқингни ел есин! (қарғ).* ▬ *Турқи бузуқ эркакларнинг «Ур уни* [*Ҳожарни*]*! У қишлоғимизга иснод келтирди!» деб худди ҳайвондек ўкирганлари қулоқларим остида қайта янгради.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Шу вақт буталар орасидан «кет!» деган йўғон товуш эшитилди. Бирдан итларнинг турқи ўзгарди-қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ширмонхон ҳовлига чиқди. Осмон юзини қоплаган турқи хунук булутларга ташвишли назар ташлади.* С. Зуннунова, Олов. *Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб, мулла Норқўзига ўқталди: -Ҳу ўл, турқинг қурсин!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *-Отинг ўчкур, — деди ичида ўгай она Умидга тикилиб, — ҳали сен одам бўлиб қолдингми! Туришини қара, вой турқингни ел есин!* Мирмуҳсин, Умид.

ТУРҚ-АТВОР Ташқи қиёфа ва феъл-атвор, аҳвол. *Қаёққа бораман, нима қиламан, қўлимдан нима иш келади? Шу турқ-атвор билан кимга ҳам керакман?* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ТУРҒИЗМОҚ **Турмоқ** фл. орт. н. *Анорхон кампирни суяб турғизди.. офтобда сув келтириб берди.* И. Раҳим, Ихлос.

Ётқизиб турғизмоқ Кимсага истаганча ўз ҳукмини ўтказмоқ, кимсани истаганча ўз амрига, ҳукмига бўйсундирмоқ. **Оёққа турғизмоқ** 1) ётган, ўтирган ёки йиқилган еридан турғизиб қўймоқ. *Ойсулувни даст кўтариб, оёққа турғизди-да, ердан пўстинни олиб, унинг устига ёпди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) оёққа бостирмоқ, йўлга солиб юриштириб юбормоқ. *Корхонани оёққа турғиздик;* 3) *кўчма* оёқлантирмоқ, бирор ишга бошламоқ. *Кўнгилга тасалли берувчи, одамни ҳамиша оёққа турғизувчи, ўйлатувчи, курашга чорловчи чигил жумбоқлар кўп бу дунёда.* С. Аҳмад, Уфқ.

ТУРҒУН **1** Бирор жойда доимий яшовчи, ўрнашиб қолган; муқим; *Шаҳарнинг турғун халқи.* ▬ *Бир неча йил дарбадар умр кечириб.. ошпазлик қилди, охири она қишлоғи Аввалда турғун бўлиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза. *Сен айтганча, куёвинг Тошкентдан иккинчи уйланмасин-да, Кумушни қудаларинг олдига турғун қилиб юборайлик, тузукми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фурқат ватанида бўлолмай турғун, Донишдай, Воқифдай ғамалам ютди.* Х. Расул.

2 Ўзгармас бўлган, доимий, барқарор. *Турғун мувозанат. Турғун ҳолат. Барча ташкилотларни турғун кадрлар билан таъминлаш.* ▬ *Ҳаётда ҳеч нарса турғун бўлиб қолмаганидай, театрда ҳам кўп нарсалар ўзгарди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

3 Тўхтаб, туриб қолган, ҳаракат қилмайдиган; ҳаракатсиз; оқмас. *Турғун сув.* ▬ *У кўзларини ҳовуздаги турғун кўкимтир сувга тикиб ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Турғун (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ТУРҒУНЛАШМОҚ 1 Бирор жойда яшаб кетмоқ, ўрнашиб, муқим туриб қолмоқ. *Биз шаҳарда турғунлашиб қолдик.*

2 Турғун ҳолатга келмоқ, турғун ҳолат касб этмоқ.

ТУРҒУНЛИК 1 Турғун ҳолат (*қ.* **турғун 1, 2, 3**). *Мувозанатнинг турғунлиги. Аҳолининг турғунлиги. Сувнинг турғунлиги. Иқтисодий турғунлик.* ▬ *Шоир* [*F. Fулом*] *бир ёқламаликка ва турғунликка қарши.. кескин кураш олиб борди.* Ш. Рашидов, Ғ. Ғулом хотираси. *Замон пўк нарсани тез унутдирар. Яъни турғунликдан ҳаёт ўч олар.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

2 *тар.* Шўролар ҳукумати тарихида 20-аср 60-йилларидан бошланган, иқтисодий тушкунлик, ҳокимият тузилмаларидаги порахўрлик, маънавий-ахлоқий бузилиш ва шунга боғлиқ ҳолда жамиятнинг таназзулга юз тутиши билан характерланадиган давр. *Бу — шахсга сиғиниши, турғунлик даврининг иллати.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ТУС 1 Нарсаларга хос бўлган ранг, ранг кўриниши. *Туси ўзгармоқ. Туси оқармоқ. Тусини йўқотмоқ.* ▬ *Шунинг учун ёз кунлари махдумнинг боғчаси оқ, нимранг, ола-зангор, малла-ложувард ва бошқа тус капалакларнинг ялт-юлт учишлари билан алоҳида бир кўринишга киради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Марзалардаги майса-гиёҳлар бир хил рангда — олтин тусида товланади.* Н. Аминов, Суварак. *Мардон Йўлчиевич новча, юзи чўзинчоқ, туси ҳам Темиржоннинг чеҳрасидай тиниқ экан.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Одатда денгиз суви кўкимтир рангли, бўлади. Приморьеда эса денгизнинг суви темир зангининг тусини эслатади.* Газетадан.

2 Ташқи кўриниш; қиёфа. *Замонлар ўзгаради, жойнинг ҳам туси ўзгаради.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Болаларнинг қий-чуви, хотинларнинг бақириб-чақиришлари бу жимжит тўқайзорга маҳалла тусини бериб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қизи шомда қайтганда, ҳовлида гард ҳам йўқ, салқин, сув сепилган, ҳовлининг туси ўзгариб, чанг босиб ётган акаслар ҳам чеҳраси очилгандай эди.* С. Нуров, Нарвон. *Ҳомид мағрур тус билан Отабекка қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қувонч, қўшиқ ҳар ёнда, Оқ каптарлар осмонда Парвоз қилади кўркам, Байрам тусида ўлкам.* Р. Бобожон.

Тус бермоқ Қандайдир тус пайдо қилмоқ, қандайдир тусга олмоқ, тусда ифодаламоқ, тус киритмоқ. *Юзига тушуниб бўлмайдиган аллақандай тус бериб, бир хўрсиниб қўйди-да, унга деди..* К. Яшин, Ҳамза. *-Наҳотки ўз жангчиларимизни унутсак, — дея гапга тус берди Муҳаррам.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ҳар анорларки донаси чойнакдай, узумини кўтаролмай букилиб қолган ишкомлар, ёмби олтиндек сап-сариқ беҳилар бу боққа чинакам жаннат тусини берар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Тус олмоқ** Қандайдир тус-қиёфа касб этмоқ; тусга кирмоқ. *Унинг ранги оқариб, важоҳати қўрқинчли тус олди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Пайкаллар этагини ювиб оқаётган Қашқа суви қизғиш-сариқ тус олиб.. тол, жийдалар остигача тошган.* С. Нуров, Нарвон. *Аста-секин муносабатларимиз бошқача тус ола бошлади.* Э. Аъзамов, Жавоб. **Тусга кирмоқ** Қандайдир тус, қиёфа касб этмоқ, тус-қиёфага айланмоқ. *Ариқ ва анҳорлардаги сувлар шаффофлигини йўқотиб, малларанг тусга кирди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Мурзин унинг назарида лаҳза сари юксалиб, ажойиб қаҳрамон тусига кириб бормоқда эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Нафис кийимлар билан ёш келин тусига кирган Холжон.. деразадан ўтган-кетганларни томоша қилиб ўтирди.* Ғайратий, Довдираш.

ТУСАМОҚ Ихтиёр этмоқ; хоҳламоқ, истамоқ. *Йигитали қорни ниҳоятда очганини, кўнгли аччиқ кўк чой тусаётганини сезди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Узоқ йўл босиб келдим, серқатиқ, аччиққина маставани кўнглим тусаб турган эди, чақирдим.* «Муштум». *Беш йил ўқиб, унинг бирор марта пулдан қийналганини ёки кўнгли тусаган кийимини олиб киймаганини Аҳмад кўрмаган.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Холи бўлишни, бир ўзи якка қолиб хаёл суришни кўнгли тусади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТУСЛАМОҚ *тлш.* Феълларни шахс, сон ва замон қўшимчалари ёрдамида ўзгартирмоқ.

ТУСЛАНМОҚ 1 Ҳар хил тус, рангда кўринмоқ, товланмоқ. *Товус патлари ранг-баранг тусланади. Атлас электр нурида ҳар хил бўлиб тусланади.*

2 *тлш.* Шахс, сон ва замонда ўзгармоқ (феъллар ҳақида).

ТУСМОЛ Аниқ билмаган ҳолда ўзича қилинган гумон; тахмин, чама. *Менинг тусмолимча. Тусмол қилмоқ.* ▬ *Улар гап орасида Фотимага яна кимларнинг жазманлиги.. ҳақида ўз шубҳа ва тусмолларини гаплашдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ой ботиб, кеча қоронғилашиб қолган, жуда авайлаб, тусмол билан ҳаракат қиламиз.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТУСМОЛЛАМОҚ Тусмол-тахминга асосланмоқ, тусмол-тахмин асосида иш кўрмоқ; тусмол қилмоқ. *Қурбоннинг Кўктошга кетганини ўзи ҳам тусмоллаган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Оқимнинг кучини, йўналишини тусмоллаш керак эди.* А. Мухтор, Чинор. *Ёдгор кўз ўнги қоронғилашди-ю, бошини қуйи солганча, тусмоллаб юриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТУССИЗ Туси бўлмаган, туси, ранги йўқ; рангсиз. *Туссиз газ.* ▬ *Бек эшикни очди. Қулмат унинг докадек туссиз юзига қараб кулди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТУСТОВУҚ Товуқлар зотига мансуб, патлари чиройли, асосан тўқайзорларда яшайдиган, овланадиган қуш; қирғовул. *Тустовуқ қамишларнинг ичига кириб ғойиб бўлди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Қадимда овчи қушлар билан тустовуқ, каклик ва бошқа паррандаларни овлаш кенг тарқалган эди.* «Фан ва турмуш».

ТУТ [*а.* توت – тут дарахти] **1** Барглари ипак қурти учун асосий озиқ бўладиган дарахт. *Ана боғлар-чорбоғлар.. Ана буталари қизғиш тутундай ҳавога ёйилиб турган катта тут.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мамнун бўлиб ипак қуртлари, Ўрмалар тут япроқларида.* Ҳ. Пўлат.

2 Шу дарахтнинг истеъмол қилинадиган оқ, қора ёки қизил тусли тотли меваси. *Жувон бошидан рўмоли тушиб кетган, Сидиқжонга орқасини ўгириб, зўр иштаҳа билан тут териб емоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Тут майиз, тутмайиз Қуритилган тут меваси, қуруқ тут. *Шу кеча унга* [*Кимсанга*] *бошпана бериб, нон, тут майиз, қурт, айрон билан меҳмон қилдилар.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан. **Тутдай тўкилмоқ** 1) қирилмоқ, қирилиб кетмоқ; маҳв бўлмоқ. *Душман аскарлари тутдай тўкилди;* 2) путурдан кетиб емирилмоқ, вайрон бўлмоқ. *Тутдай тўкилиб турган деворлар.* ▬ *Кўз қамаштирувчи бу чаманзор ёнида тутдай тўкилиб турган икки уй бўлиб, буларнинг бирида — кунгайдагида Гулбодомларнинг.. сигири, унинг ёнидаги.. уйда эса, ўзлари туришарди.* С. Кароматов, Бир томчи қон; 3) эскириб, тўзиб йиртилмоқ, йиртилиб (ситилиб) кетмоқ, йиртилиб тушмоқ (кийим ҳақида). *Кўйлагим тутдай тўкилиб кетди.* **Қўноқ тут** Меваси ейилмайдиган оч қизил тут.

ТУТА I **1** Пахтадан ип йигириш учун тайёрланган пилта.

2 Учи чақмоқда чўғлатиш учун мослаштирилган (учи куйдириб қорайтирилган) пахта ипи. *Уч кишилашиб чақмоқни тошга уриб, тутани ёмғирдан бекитиб, роса уринганларидан кейин, ниҳоят, аччиқ пахта тутуни димоғларига урилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТУТА II Эрта баҳорда ўсадиган ўсимликнинг бир тури. *Лойхонада бадбўй, лекин чиройли эртабаҳор ўсимлиги – туталар бир текис униб чиқди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ТУТАК Пахтадан қўлда ип йигиришда ишлатиладиган қовоқ найча.

ТУТАЛ *шв.* Ишониб бўлмайдиган нарса, гап; уйдирма. *Шаҳардаги ҳар ким унинг.. қизиқ ҳаракатларига ва тутал сўзларига қизиқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу хилдаги тутал, аския, лутф сўзлар, ашула анчагача давом этди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТУТАМ Нарсаларнинг тутамлаш ёки сиқимлаш мумкин бўлган миқдори; панжанинг шунча миқдорни оладиган (тутадиган) ҳолати. *Бир тутам соч. Бир тутам пахта. Дангасанинг қуйруғи бир тутам.* Мақол. ▬ *Робия хола бир тутам печак ўтни жўякка ташлаб, қўлларини қоққанича, Ширмонхон қаршисига юрди.* С. Зуннунова, Олов. *Қўйлар кеча эрталаб охирги тутам хашакни еб бўлишган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ёқуббек соқолини тутамига олиб, бир лаҳза ўйланиб турди-ю..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Бир тутам 1) бир тутам миқдордаги, бир тутамлашга лойиқ. *Бир тутам хашак.* ▬ *-Булар ҳам сизга! – деди у бир тутам-бир тутам гул тутқазиб.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон; 2) ингичка, нозик; озғин. [*Аноранинг*] *Ёш ниҳолдек бир тутам нозик қадди-қоматини бошқалардан ажралиб турар.. кулганда қўнғироқдек жаранглайдиган овози ўтириш-*

га алоҳида бир файз бағишлар эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон; 3) жуда қисқа. *Ёз кечалари бир тутам — кўз очиб юмгунча ўтиб кетади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТУТАМЛАМОҚ Тутамга олмоқ. *Сочини тутамламоқ.* ▬ *Қовоғини солиб, соқолини тутамлаб, гапга жимгина қулоқ солиб ўтирган уста: -Қани, бу ёққа юр, — деди* [*бангига*]. О. Ёқубов, Ларза.

ТУТАМОҚ 1 Тутунланиб ёнмоқ, бурқсимоқ; тутун чиқармоқ. *Печка тутаб кетяпти. Ҳўл ўтин тутайди, ёнмайди.* ▬ *Тутаб ётган тўнка ёнида сочлари ўсиб, соқолига қўшилиб кетган бир девона бу мудҳиш қоронғиликка қарши курашган каби гулханни ёндиришга тиришар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмаджон ўрнидан турди ва ҳануз тутамоқда бўлган қишлоқни кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Ис, дуд чиқармоқ (ёғ, пилик ва ш.к. ҳақида). *Қозонда ёғ тутай бошлади.*

3 *кўчма* Тутақмоқ, тутақиб кетмоқ, қизишмоқ; ёнмоқ. *Ҳайдарбой ич-ичидан тутаб кетди.* Н. Фозилов, Оқим. *Қиздан жавоб бўлмагач, Ойшахон баттар тутай бошлади: -Минг марталаб айтганман бу мегажинга, бир нимани тайинли қилиб қўйгин деб.* А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор.

ТУТАНМОҚ *шв.* Тутақмоқ, тутақишмоқ, қизишмоқ. *У бирдан тутаниб кетди.* ▬ *Гўрўғлибекнинг бол Авазга «Раъйингдан қайтгин!» деганида, Авазхон ўтдай ёниб, оловдай тутаниб, отасига қараб бир сўз айтгани.* «Хушкелди».

ТУТАНОҚ I *шв.* Тутқаноқ, қуёнчиқ. *Қизинг энди ўшанинг тутаноғини эшитиб, кўнгилсиз бўлиб тургандир-да.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Тағин унинг тутаноқ дарди.. бунинг устига ортиқча.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ТУТАНОҚ II Ғайрати ичига сиғмайдиган, шўх. *Елена тутаноқ дўстининг* [*Надянинг*] *озгина хатога йўл қўйганлигини билса ҳам, юзига солиб, баттар куйдиргиси келмади.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ТУТАНОҚЛИК Тутаноққа хос хусусият, хатти-ҳаракатга эгалик. [*Йигит-қизларнинг*] *Шу ғайратлари, шу тутаноқликлари бўлса, марра бизники, — деб қўйди Қодиржон.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТУТАНТИРИҚ 1 Ўт олдириб олиш учун хизмат қиладиган майда тараша, пайраҳа ва ш.к.; тутатқи. *Қуруқ тутантириқ.* ▬ [*Афанди:*] *Қозонни осиб қарайдики, ўчоққа тутантириқ йўқ.* «Латифалар». *У сув тўлдириб тайёрлаб қўйилган қумғон тагига олов ёқди. Ҳушёр шогирдлари ҳатто тутантириқ ҳам тайёрлаб қўйишган экан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг амалга ошувига, юришиб кетишига сабаб, омил. *Бу учрашув тутантириқ бўлди. Устига чўп ташламаса, ўчиб қолади.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Тўғрироғи, тутантириғини Умрзоқ ота тутатибди-ю, бу ёғини Бўтавойлар алангалатибди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ўша справкангиз тутантириқ бўлди-ю, ишим юришиб кетди.* «Муштум».

Тутантириқ ҳам бўлмайди Жуда оз, кифоя қилмайди, урвоқ ҳам бўлмайди.

ТУТАТМОҚ 1 Тутамоқ фл. орт. н. *Печкани тутатмоқ.* ▬ *Орадан ярим соат ўтгандан кейин, полвон секин кўзини очиб.. бекнинг олдига бир сиқим сомон тутатиб қўйишни сўради.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

Исириқ тутатмоқ *қ.* **исириқ.** *-Шошилма, болам, — кампир тандир томонга югурди ва хокандозда исириқ тутатиб келди, Норматнинг бошидан айлантирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ўт олдириб, ёндириб олмоқ; ёндириб олиб чекмоқ. *Салимхон ҳозир келиб тугатган папироснинг ўтидан иккинчисини тутатиб, Саидийни меҳмонларга танитди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бектемир ёнида махорка тутатиб ўтирган ёшгина рус жангчини туртди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТУТАТҚИ I *шв.* Тутантириқ.

Тутатқи ҳам бўлмайди *айн.* **тутантириқ ҳам бўлмайди** *қ.* **тутантириқ.**

ТУТАТҚИ II *этн.* **1** Тутатилганда касаллик, фалокат ва ш. к. ни даф этувчи ёки керакли предмет, воқеа-ҳодисани юзага келтирувчи, ҳозирловчи нарса. *Эзибички бериб, тутатқи тутатиб, бошингиздаги бало-қазоларни қайтариқ қилиб ҳайдайман.* К. Яшин, Ҳамза. *Эрмана мерган бир тутатқини тутатган экан, парининг отларидан бири пайдо бўлди.* «Олтин бешик». *Қиличқорага бир тутатқи бериб: -Қачон шуни тутатсангиз, биз тайёр бўламиз, — дебди.* «Олтин бешик».

2 Тутатиладиган ҳар қандай хушбўй нарса ёки восита (мас., исириқ).

ТУТАШ I **Тутамоқ** фл. ҳар. н. *Самоварнинг туташи. Исириқнинг туташи.*

ТУТАШ II Бир-бирига ёнма-ён уланган; туташган. *Қошлари туташ.* ▬ *Сайҳонлик тугаб, туташ боғлар кўринди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бир томонингиз — харсанглар макони, иккинчи томонингиз — уфққа туташ ямяшил водий.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТУТАШМОҚ I **1** Алангаланмоқ, аланга олмоқ.

2 *кўчма* Ёнмоқ, куймоқ. *Сиз ўзингизни тупроқ билан тенглаштирмоқчи бўлгансиз, лекин мен ҳозир Кумушга ҳам қаноатланмай, Олтинбиби деб атамоқ фикрига тушдим.. Борлиғим муҳаббатингиз алангаси билан туташгани ҳолда, завжангиз Отабек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳеч ким менингдек куймаган ҳажринг ўтига, эй санам, Танҳо туташдим мен ўзим, сўзона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

3 *фольк.* Тутақмоқ, қизишмоқ. *Жуда ҳам туташиб кетди Ҳакимхон.* «Алпомиш». *Арзирумдан экан асли элати, Туташган боладир — кўпдир ғайрати.* «Нигор ва Замон».

ТУТАШМОҚ II **1** Туташ ҳолатда бўлмоқ. *Бир-бирига туташиб кетган кичкина, тиниқ кўлчалар кўринди.* С. Сиёев, Аваз. *Бундан [дарёдан] чиқадиган сув билан мактаб участкасинигина эмас, унга туташган томорқа ерларни ҳам суғориш мумкин.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Шамол тоғанинг уйи бир томондан қирга туташ эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Адолатнинг юзи бирдан жиддийлашди. Қора қошлари туташиб, кўзларида ғазаб чақнади.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 *кўчма* Бир-бирига боғланган, пайванд. *Тожибой ўзи камбағаллардан бўлса ҳам, томири Олахўжа махсум билан туташган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хаёлига хаёли туташ, қалбига қалби яқин одамларни кўрган сайин Муборак ундан баттар узоқлашар, баттар орқага қараб кетар эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ТУТАҚИШМОҚ 1 Тутақмоқ 2 фл. бирг. н.

2 *айн.* **тутақмоқ 2.** *Сорахон «Шунча иш бўлган экан, мен қаерда эдим, доим уйдаманку», дейиш ўрнига тутақишиб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТУТАҚМОҚ 1 *кам қўлл.* Тутаб, ўт олиб қизимоқ. *-Шошманг, бу дарди ҳарина оз-моз тутақсин! Пуф, пуф. Ўҳў, аҳ. Тутун жигаримни ҳам титиб юборди! -Бас.. у ўтин ёнмайди, саратон юзини кўрганда ҳам ёнмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Аччиғидан, ғазабдан ўта қизишмоқ, ўта дарғазаб бўлмоқ. *Домла шу қадар дарғазаб бўлдики, азбаройи тутаққанидан кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *Ваққос ота тутақиб кетганидан қалтирар, тили гапга келмасди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

3 *кўчма* Ҳарорати кўтарилиб, алангаи оташ бўлиб ёнмоқ. *Иситмадан тутақиб кетяпман.* ▬ *Буни эшитиб, азбаройи худо, тутақиб, иситмам чиқиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Юқори ҳарорат таъсирида жуда «куйган» ҳолатда бўлмоқ. *-Нега қичқирасиз, Адолат? Бирор ерга ўт кетибдими? -Ғўзага ўт кетибди; қаранг, тутақиб ётибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТУТГИЧ Тутиш учун хизмат қилувчи асбоб, нарса. *Товуш тўлқинларини тутгич вазифасини ўтовчи қулоқ супраси табобатда катта аҳамиятга молик экани Шарқ тиббиётида қадимдан маълум.* «Фан ва турмуш».

ТУТЗОР Фақат тут экилган ер, майдон. *Ипакчилик учун.. тузилган шартномада беш гектар тутзор қилишни колхоз ўз устига олган.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТУТИЛИШ 1 Тутилмоқ фл. ҳар. н. *Жиноятчининг тутилиши. Деразаларга парда тутилиши лозим. Кўрпа-ёстиқлар озода тутилиши керак.*

2 *астр.* Осмон жисмларининг, хусусан, Ой ва Қуёшнинг бошқа самовий жисмлар ёки уларнинг сояси билан бекилиб, қисқа муддатга қоронғилашиш ҳодисаси. *Ойнинг тутилиши. Қуёшнинг тутилишини кузатиш.* ▬ *Аҳмад махдум белгилаган вақтда ойнинг юзида ҳеч бир тутилиш нишонаси қолмай, бутунлай очилди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ТУТИЛМАГАН 1 Тутилмоқ фл. сфдш. *Тутилмаган идиш, асбоблар.*

2 *кўчма* Фойдаланилмаган, ҳеч ким эшитмаган, билмаган. *Гуласал кулгили гапларни, тутилмаган латифаларни кўп биларди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Мен Фарғонанинг жуда кўп қўшиқларини билар эдим, бироқ устозим менга шундай тутилмаганларини айтиб берганида, халқ даҳосининг, унинг кўнгил хазинасининг нақадар бойлигини кўриб,*

ҳайратда қолардим. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТУТИЛМОҚ 1 Тутмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Жиноятчи кеча тутилди. Тутилган балиқларни пиширмоқ. Деразаларга парда тутилган эди. Қурт тутилган хона. Ҳовли доим озода тутилади. Сир тутилган иш. Иш билан тутилиб қолмоқ. Назарда тутилган вазифалар.* ▬ *Кўтарилди чанг-тўзон, Куннинг юзи тутилди.* «Ойсулув». *Ҳамма ўша томонга юзланди. Чироқ тутилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшикдан келганда, қўлига илиқ сув тутилди.. тагига кўрпача тўшалди.* «Муштум».

2 Дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ. *Ёмғирдан қутулиб, қорга тутилдим.* ▬ *Ҳасанали «Қутулдим!» деган эди, яна тоғдек қайғуга тутилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Гап-сўзини давом эттиролмай қолмоқ; тили айланмай қолмоқ. *Чўпон довдираб, тутилиб қолди, оқаринқираб кетди. Нима дейишини билмай, қўлидаги чақалоқни кўрсатди.* А. Мухтор, Чинор. *Раҳим Саидов нима жавоб қилишини билмай, тутилиб қолди. Шофёр буни сезиб, хижолатликдан қутқарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Жаноб тутилиб, лом-мим деёлмай қолди. У бир лаҳзадан сўнг қизариб, яна савол берди.* Мирмуҳсин, Нуқра.

4 Гап-сўзида равонлик йўқолмоқ, тўхташлар, ғўлдираш юз бермоқ. [*Умарали:*] *Рус тилини пича билиб қолдим; тутилиб бўлсада, гаплашадиган бўляпман.* Ойбек, Улуғ йўл. *Иброҳимов ҳеч тутилмаганидан кейин, кўзойнагини пешонасига сурди-да.. унинг афтига тикилди. У бировдан хурсанд бўлганида шундоқ қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қолоқ цех бошлиқлари бирин-кетин минбарга чиқиб, тутилиб-тутилиб ҳисоб бердилар.* А. Муҳиддин, Юзга айтганнинг заҳри йўқ.

Тили тутилмоқ Тили гапга келмай қолмоқ, гапида тутилиш(лар) бўлмоқ, гапиролмай қолмоқ. *-Уялмай қўя қол, ўғлим.. Раҳматлик.. — деган жойида ойимнинг тили тутилди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Сувонжоннинг тили тутилди. Беихтиёр дадаси кўз олдига келди. Томоғига бир нима тиқилгандай бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўртаниб гапираётган Бобурнинг тили тутилаётганидан табиб чол ҳайратга тушиб, унга тикилиб қолди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 *астр.* Бошқа жисмлар ёки уларнинг сояси билан бекилиб қоронғилашиб қолмоқ (асосан Ой ва Қуёш ҳақида). *Ой тутилган тун ҳали ҳам эсимда.* ▬ *-Кун тутилди, — деб шу чоқ мардум бор абзалини данғиллатди.* «Эрали ва Шерали».

6 *кам қўлл.* Ёрдамчи сўз вазифасида боғлама бўлиб келади; ҳисобланмоқ. *Маъзур тутилади.* ▬ *Иккинчи, Отабекка бу йўлда кўмакчи бўлиб юрган Марғилон фуқароси Мирзакарим қутидор ҳам шу жазога сазовор тутилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУТИМ *қ.* **тутум.** *Шаҳрихоннинг иқлими ҳам, одамларининг тутими ҳам, улфатчилиги ҳам, шеърпарастлиги ҳам Қўқонга ўхшайди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Одилжоннинг бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракати Саодатга қилган муруввати.. олдида кечиримли, узрли эди. Бироқ бу найранги тутадиган тутимга тўғри келмасди.* «Ёшлик».

ТУТИНМОҚ I **1 Тутмоқ 1** фл. ўзл. н. *Ўқишдан қўл силтаб кетадиган оғир кунларни ҳам кўрди, аммо ҳамма вақт ўзини жар ёқасида ёлғиз кучли қўллари билангина тутиниб турган ҳис қилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 (*ж. к. билан*) Бирор ишни бажара бошламоқ, бирор ишга киришмоқ. *Ишга тутинмоқ.* ▬ *Йўлчи қармоқни кўл бўйига суқиб, ўзи хашак йиғиштиришга тутинди.* Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида. *..бурнига кўзойнагини қўндириб, ўқишга тутинди.* «Шарқ юлдузи».

ТУТИНМОҚ II Кимса билан аҳдлашиб, қалин дўст, ўртоқ, томир бўлмоқ, қариндошдек муносабат боғламоқ. *Ака-ука тутинмоқ. Дўст тутинмоқ.* ▬ *-Э-э-э, — деди Қурбон ота, - Ўрмонжон? Ўрмонжон менинг тутинган ўғлим-ку!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Маҳбубахон опам билан биз опасингил тутинганмиз.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Мутрибдек кишини биродар, оға тутиниб, Авазнинг ёруғ кунлари зиёда бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

ТУТМОҚ 1 Қўл билан ушламоқ, ушлаб турмоқ; тутинмоқ. *Бир қўлда китоб, бир қўлда гулдаста тутиб турмоқ. Боланинг қўлидан тутмоқ. Отнинг жиловидан тутмоқ. Кўр тутганини қўймас, кар — эшитганини.* Мақол. ▬ *Темирчи уста қаҳру ғазаб билан ичкари кирди ва тикка бориб, Хайринисанинг*

куёви бўлмиш йигитнинг ёқасидан тутди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Гавҳар тоқати тоқ бўлиб, ўрнидан тура бошлаган эди, Талъат тирсагидан тутиб ўтқазди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кетмон тутишга одатланган дағал қўллар игна ушлашга, қатим тортишга келишмаганидан диққати ошган Охун..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Овлаб, қувиб, изидан бориб ва ш. к. йўллар билан ушламоқ, ушлаб олмоқ, қўлга туширмоқ. *Балиқ тутмоқ. Қуён тутиб олмоқ. Ўғрини тутмоқ.* ▬ *Сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил-да, домлажон. Ҳали кийик тутдикми, йўқми, ҳеч бўлмаса, шамоллаб келамиз-да.* М. Мансуров, Ёмби. *Агар Ҳамзани тутиб берсанг, ўғлинг Умар полвонни рўйхатдан ўчирамиз.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Бирор нарсани илтифотан кимсага таклиф қилмоқ, узатмоқ; фойдаланиш учун тўғриламоқ, бермоқ. *Меҳмонларга сочиқ тутмоқ.* ▬ *Чол белбоғидан носқовоғини олиб, ўтирганларга тутди.* С. Аҳмад, Ҳукм. [*Сулув*] *Ҳеч нарсага қарамай, сакраб туриб, ҳансираб қолган отасини юпатгиси, совуқ айрон тутиб, елкасини силагиси келарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Дуодан сўнг Отабек түриқ йўргани чиқариб, қутидорга тутди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўстон қутичали атир олиб келиб, ойисига тутди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Али мешкобчи яна мадраса қурилишига кириб, одамларга сув тутди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Қўлидаги (ўзидаги) бирор нарсани бошқа нарсага тўғриламоқ, рўбарў ҳолга олмоқ. *Хатни чироқ ёруғига тутиб ўқимоқ. Елкасини офтобга тутмоқ.* ▬ *Отбоқар фонусни яна Бўтабойнинг юзига тутди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сенга ҳавас билан боқурман, рости, Ўлимга тик кўксин тута олган зот.* А. Орипов.

5 *кўчма* Йўқ бўлиш, кетиш ва ш.к. дан сақлаб турмоқ. *Ҳокимиятни тутиб турмоқ. Ўз позицияларини тутиб турмоқ. Жангчиларимиз тепаликни тутиб туриш учун бутун воситаларни ишга солдилар.* ▬ *Азамат.. комбатнинг.. мадад кучи етиб боргунча душманни тутиб туриш ҳақидаги фармонини Эргашевга айтди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

6 Бирор ҳолат, вазиятда сақламоқ, асрамоқ. *Саидбобо негадир тили учида турган гапни ютиб, сир тутди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Туғилган кун зиёфатига таклиф қилиш шарт эмас. Ўша кунни эсида тутган яқинлари ўзлари боришаверади..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Итни занжирга боғлаб қўйгач, оч тутади дейишади.* С. Нуров, Нарвон.

7 *кўчма* Бирор нарсадан ўзини тиймоқ ёки бирор нарсани, воқеани юз беришдан тўхтатмоқ, босмоқ, ушламоқ. *У кўзларига тўлган томчиларни базўр тутиб жавоб берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўзини тутмоқ 1) ўзини босмоқ, тиймоқ; ўзини қўлга ола билмоқ. *Йиғидан ўзини тутмоқ. У кулгидан ўзини тутолмади.* ▬ *Ўзимни кулгидан тутолмай, ҳиринглаб кулиб юбордим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) ўзини бирор тарзда ушламоқ. *Ўзини баланд тутмоқ. Ўзини катталардек тутмоқ. Ўзини тетик тутмоқ.* ▬ *Ибодовнинг ўзини тутиши ҳайрон қолдирган эди уни.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *У ўзини имкони борича бепарво тутишга ҳаракат қилди.* Т. Ашуров, Оқ от; 3) ўзини эплаб қолмоқ, оёққа турмоқ. *Эрталаб яна қонли урушлар бошланди. Аммо халқ энди ўзини анча тутиб қолган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бобоқул ота ўзини тутиб олиб: -Илгари фақат селдан эмас, қурғоқчилик офатидан ҳам одамлар қириларди.. — деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

8 *кўчма* Идора қилмоқ, бошқармоқ. *Рўзғор тутмоқ.* ▬ *Яхши қилиб юртни тутди, Ким кам бўлса, йўл кўрсатди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

9 *кўчма* Ўз қўли остидаги, измидаги, қарамоғидаги кимсаларга қандайдир муносабатда, муомалада бўлмоқ. *Болани бўш тутиш ярамайди. Синглингни кафтингда тутсанг, онангни бошингда тут.* Мақол. ▬ *Шариат хотинни қаттиқ тутиш керак дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча ғафлатда қолишингизни пайлайди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Ўзбек ойимнинг «Келинни хор тутар экан демасинлар, сен ҳам ўзингни тузат!» деб айтгани учун, Зайнаб ҳам тамом ипакларга кўмилиб ясанган, кеча эрга теккан янги келинлар суратига кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 Бирор тарзда ишлатмоқ, фойдаланмоқ, қўлламоқ. *Идиш-товоқни, кўрпа-*

ёстиқни тоза тутмоқ. Янги олиб келган тешани тутмоқ. ■ *-Лекин, — деди Самандаров қошиқни салмоқлаб, — ҳали ҳам мана бунақа қошиқ тутиш айб.. Бунга йўқчиликни важ қилиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

11 Парвариш қилмоқ, боқмоқ (пилла қуртини). *Мен, бешовларинг қурт тутинглар, бешта одам бўшасин, демоқчи эмасман.* А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

12 Ишлатиш, фойдаланиш учун ўз ихтиёрида, қарамоғида олиб турмоқ, сақламоқ. *Қани иложи бўлса, битта одам тутмасдан, бутун ишни ўзим эплай олсам.* Ойбек, Танланган асарлар.

13 Пардалаш, тўсиш, қоплаш ва ш.к. мақсадлар учун ўрнатмоқ, боғлаб, илиб ёки осиб қўймоқ. *Пашшахона тутмоқ. Деразаларга парда тутмоқ. Этак тутиб, пахта термоқ. Дастрўмолни юзига тутиб йиғламоқ. Эл оғзига элак тутиб бўлмас.* Мақол. ■ *Бахмал паранжили хотин чиммат тутган юзини Азим тажанг томонга хиёл ўгирди-ю, бир-икки томоқ қириш билан кифояланди, жавоб бермади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

14 Кўпайиб, тарқалиб, ёйилиб ва ш. к. йўллар билан маълум жойни эгалламоқ, қоплаб олмоқ, босмоқ. *Самоварнинг буғи уйни тутиб кетди. Қўй-эчкиларнинг маърashi кўчани тутган эди.* ■ *Йилқи, пода, сурувлар Дард кўрмай ўсса дейман, Тоғу тошга сиғишмай, Яйловни тутса дейман.* Қ. Муҳаммадий. *Қўнғироқдай товуши билан Гулсун ҳам қўшиқчига жўр бўлгандагина ҳамма ёқни одам тутиб кетганини кўрди.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Дўнан ака минбардан тушишлари билан, зални қарсак тутиб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Даштни тутиб ётган лолалар узоқда қолиб, гулларидан асаларилар бол эмаётган мевазор боғлар бошланди.* «Гулдаста». *Достоннинг овозаси оламни тутди.* Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди.

15 Қўзимоқ, қўзиб қолмоқ, ҳуруж қилмоқ (одатда, инсон табиатида бўладиган турли хислатлар ҳақида). *Отанинг тантилиги тутиб кетди. Унинг жазаваси тутди. Шўхлиги тутмоқ.* ■ *Ҳиндининг ҳам ҳиммати тутиб кетди, саррофф халтадан битта беш сўмлик тилла олиб берди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Гапинг рост бўлса, қани юр! Ёки дангасалигинг тутиб, ишлагинг келмаётибдими?* Газетадан.

16 Амал олмоқ, ўсмоқ, ривожланмоқ (янги кўчат ёки пайванд ҳақида). *Боғбон ўзи экkan ё улаган кўчати тутиб, бўй тортиб кетгунча, ҳар кун тагига неча марта келади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Онда-сонда кўчатлар ўтказилган экан-у, кўпи тутмапти.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

17 Ёрдамчи феъл сифатида боғловчи вазифасида қўлланади; ҳисобламоқ. *Парвозга шайланиб ночор пат урган Ярадор бургутга тутмагил осон.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

18 Баъзи сўзлар билан қўлланганда, шу нарса эвазига бирор нарсага дучор бўлмоқ, унинг ҳақидан қутула олмаслик маъносини билдиради. *-Уволи тутади демадингизлар-а, уволини ўйламадингизлар-а , — деди жавраб турган Зулхумор, юраги бўлмай нари кета бошлади.* М. Мансуров, Ёмби. *Сизни ўша норасидаларнинг кўз ёши тутмайдими?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Беш боланинг уволи уради сен бекларни! Менинг бегуноҳ қоним тутади ҳаммангни!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Аза тутмоқ *қ.* **аза.** *Ғалаба куни тўйга айланган хонадонлар ҳам бўлди, яраси янгиланиб, қайта аза тутганлар ҳам.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Бошини тутмоқ** Бирор иш, ҳунар ва ш.к. билан машғул бўлмоқ, уни эгалламоқ, касб этмоқ. *Бирор ишнинг бошини тутмоқ.* ■ *Бирон бошқа ҳунарнинг бошини тутса ҳам эплаб кетарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ватан** (*ёки* **макон**) **тутмоқ** Бирон ҳудуд ёки жойни яшаш жойи (ватан) қилиб олмоқ. *Эрбўтаевлар оиласи ҳам яйдоқ чўлни ватан тутиб, меҳнатда донг таратиб, ўзларидан кўпайишиб боришяпти.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Гапга тутмоқ** Гапга солиб, савол-жавоблар билан банд қилмоқ. *Ҳамма гапи ёлғон бўлмасин, ўртага олиб, гапга тутинг.* «Юсуф ва Аҳмад». *Тракторчи йигит ишга шошилганидан тоқатсизлана бошлади. Чол буни сезиб, ортиқча гапга тутмади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. **Дариғ тутмоқ** *қ.* **дариғ.** *Якка ва ягоналигинг ҳаққи.. мендек бир болокаш гуноҳкор ожиза бандангдан марҳаматингни дариғ тутмагайсан..* К. Яшин, Ҳамза. **Иш тутмоқ** Маълум сабаб, шарт-шароит ва ш.к. ни ҳисобга олган ҳолда иш қилмоқ, иш олиб бормоқ. *Нега бир-биримизга*

ёқишимиз керак. Ёки бўлмаса, сизга яқин бўлган инсон кўнглига қараб иш тутиш лозимми? Газетадан. **Йўл** (*ёки* **йўлини**) **тутмоқ** Ишфаолиятда муайян бир йўлни танламоқ, шу йўлдан бормоқ. *Шунинг учун у тилёғламалик йўлини тутди.* Газетадан. *Сендан сўнг қолиб ҳам у қаримайди, У мангу ёшликнинг йўлин тутгандир.* Шуҳрат, Ёшлигимнинг давоми. **Кўз тутмоқ** Келиши, учрашуви юз беришини интизорлик, иштиёқ билан кутмоқ. *Кўз тутдим, кўзларим нигорон бўлди.* «Ёшлик». *Темиржон, айиқча қайтиб келадигандай, унинг йўлига интизор кўз тутди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. **Кўзда тутмоқ** Назар-эътиборида бўлмоқ, назарда тутмоқ. *Келгуси вазифаларни кўзда тутмоқ. Ишдаги кийинчиликларни кўзда тутмоқ.* ▬ *Бу гаплари билан қурилишдаги ишларни кўзда тутаётганлигини Бароқов яхши тушунди.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Сўроққа тутмоқ** Узлуксиз сўроқ беришда давом этмоқ. *Лекин у ерда сиз эмас, улар сизни сўроққа тутмасалар, деб қўрқаман.* К. Яшин, Ҳамза. **Тўпга** (*ёки* **ўққа**) **тутмоқ** Кимса, нарса, жой томонга (устига) тўхтовсиз тўп отмоқ, ўқ отмоқ, ўқ ёғдирмоқ. *Кўпдан бери кутилган жанг тонг маҳалида душман артиллерияси бизнинг позицияларимизни ниҳоятда қаттиқ тўпга тутиши билан бошланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Душман жангчиларимизни миномётдан ўққа тута бошлади.* Газетадан. **Этагини тутмоқ** Раҳнамолигида иш тутмоқ, раҳнамолигига суянмоқ. *Омон бува Ёдгоров каби ингичка толали пахта усталари бор. Ана шуларнинг этагини тут.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Юз тутмоқ** *қ.* **юз. Ўрин тутмоқ** Мавқега эга бўлмоқ, аҳамият касб этмоқ. *Улар ичида Шодмонов алоҳида ўрин тутади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Меҳнат жамоаларида туғилаётган анъаналар орасида мусобақанинг такомиллашиб бораётган янги шакл ва усуллари алоҳида ўрин тутади.* Газетадан. **Қулоқ тутмоқ** 1) эшитишга диққатни қаратмоқ. *Бирпас девор тагида тўхтаб, атрофга қулоқ тутишди: жимлик ҳукмрон..* «Муштум»; 2) тингламоқ, эшитмоқ. *Акам томда қор курар.. мен сандал ичига тиқилиб олиб, шифтдан келаётган курак овозига қулоқ тутиб ётар эдим.* М. Мансуров, Ёмби.

ТУТОҚИШМОҚ 1 Тутоқмоқ фл. бирг. н. *Бу аҳволдан йигитлар жуда тутоқишди.*

2 *айн.* **тутоқмоқ.** *-Ҳали туғилмаган болани, ер еткур, дединг-а, — деди Туробжон борган сайин тутоқишиб.* А. Қаҳҳор, Анор.

ТУТОҚМОҚ *айн.* **тутақмоқ.** *Ҳаёт Салтонбунинг сўзларидан тасалли топишга улгурмай, Мастон кампир унинг тутоққан ўтини ловуллатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Полиция эшиги берк; яшил ранг билан сирланган ёғоч панжаралар олдида тутоққан халқ қайнайди, йигитлар, хотинлар панжарага ёпишади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юрагим тутоқиб кетди, сиз билан ичмоқчиман, қуйинг, раис.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ахир, бу ер, худди танда пайдо бўлган ёмон ярадай, кўм-кўк водий ўртасида қақшаб тутоқиб ётибди-ку..* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТУ-ТУ *унд. с.* Товуқларни чақиришда ишлатилади.

ТУТУМ Иш тутиш йўсини. *Тутумлари жойида, истараси иссиқ, сўзамол бола оила аъзоларига ёқиб қолди.* Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқлари. *Бу ерда жуда қизиқ — Шаҳобиддиновнинг тутган тутуми Қўшоқов, Раҳимовларга, уларники эса бошлиққа ёқмайди.* Газетадан. *Юзидан жон олувчи нимтабассум аримас, тутумидан оғир жисмоний меҳнатдан холи ўсганлиги яққол сезилиб турарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Қиз бола ўзга хонадонга бордими, ўша ернинг тутумини олади. Борига ҳам, йўғига ҳам қаноат қилади.* Газетадан.

ТУТУН Бирор нарса ёнганда, ҳавога ажралиб чиқадиган майда зарралардан иборат газсимон моддалар мажмуи. *Папирос тутуни. Уй тутунга тўлди. Тутун осмонга кўтарилиб кетди.* ▬ *Уйларнинг мўрисидан тутун чиқар буралиб.* Уйғун. *Бир вақтлар турли ранглар билан бўялган уйнинг шифтлари оташдонда ёқилган ўт тутунидан хираланди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Жиққа ҳўл ўтин ёлғиз «пирс-пирс» қилиб, аччиқ заҳар тутун буруқтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тутун пули *тар.* Хонадон эгасидан яшаб турган жойи учун олинадиган солиқ. *Ўзингни бос, Жаломбой, сени ҳеч ким ҳайдамайди. Онангга мен пул юбораман, майли, «тутун пули»ни тўласин.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Тутун қайтармоқ** *дағл.* Буюрилган, қилинган иш ёқмаслигини билдирувчи қўпол гап-сўз қилмоқ. *Моллар, молхоналар жойидами? Яна Гавҳар пошша,*

уна бўлмапти, буна бўлмапти, деб тутун қайтариб юрмасин. «Муштум». *Э, тузламай қуриб кет.. ўшанинг учун роса тутун қайтариб ётган экан-да.* К. Яшин, Ҳамза. **Тутуни (осмонга) чиқмоқ** Жаҳли, ғазаби қўзғамоқ. *-Ия, боятдан бери қулоғингга танбур чертяпманми, — жаҳл билан деди Остонақул, — шунга тутуним чиқиб ёниб ётибман-да.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Фашистларнинг бева-бечораларга бераётган мислсиз азобларини кўрганда, Ўринбойнинг тутуни осмонга чиқади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТУТУНЛАНМОҚ *кам қўлл.* Тутун чиқармоқ, буруқсимоқ. *Самолёт бирдан тутунланди-ю, ерга шўнғиди.* ▬ *Узоқда тутунланган ўрмонлар орқасидан самолётлар пайдо бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТУТУНЛИ Тутун чиқарадиган, тутаб турадиган, тутайдиган. *Тутунли порох. Тутунли мўри.*

ТУТУНМОҚ *қ.* **тутинмоқ.** *У ўз хонасига кириб, каравотга чўзилди. Китоб олиб ўқишга тутунди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Раҳматулла*] *Бу одам билан қиёматлик дўст тутунган бўлиб, бири бўлмаса, бирининг томоғидан бир қултум мой ўтмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУТУНСИЗ Тутун чиқармайдиган, тутуни йўқ. *Тутунсиз порох. Тутунсиз уй бўлмас, ёзиқсиз — йиигит.* Мақол. ▬ *Бирор қишлоққа ўт кетса, одамлар дарҳол воқиф бўладилар, ёнғин даф этилади. Юрак ёнсачи? Унсиз, тутунсиз лаққа чўғ бўлиб ёниб, кулга айланган дил оҳ-зорини эшитувчи борми?* С. Кароматов, Ҳижрон.

ТУТУРИҚ 1 Кимсанинг ўз сўзида, ваъдасида тура олиш хислати; лафз, бурд. *Тутуриғи йўқ одам.* ▬ *Наҳотки, кечагина техникага биркитилган болаларни яна қайтариб, тупроқ ишига қўйишга тўғри келса! Болалар олдида лафз, тутуриқ қоладими?* А. Мухтор, Туғилиш. *Бир соатнинг ичида икки одамни иғвогарга чиқариб, яна сўзингиздан қайтиб ўтирсангиз, сизда тутуриқ борми ўзи?* «Муштум».

2 Иш, гап-сўздаги қатъийлик, тайин. *..мен бу дунёдаги ишларинг бетутуриқ деб юрсам, охиратдаги ишларингда ҳам тутуриқ йўқ экан.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Отамнинг дарди оғир, баъзи вақтлар иситма орасида аллақандай тутуриғи йўқ гапларни гапириб қўяди.* Ғайратий, Менинг ёшлигим.

ТУТУРИҚЛИ Тутуриғи, бурди бор; сўзида, лафзида турадиган; бурдли; тайинли. *Тутуриқли одам. Тутуриқли гап.*

ТУТУРИҚСИЗ Тутуриғи, бурди йўқ; сўзида, лафзида турмайдиган, бебурд, бетайин, бемаъни. *Тутуриқсиз одам. Тутуриқсиз гап.* ▬ *Икки тутуриқсизни деб кўрпани куйдирмоқчимисан?* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *Табибий хоннинг Ғозий тахаллуси билан тутуриқсиз шеърлар битадиган жияни Саид Ғозий тўрага ишора қилаётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТУТУРИҚСИЗЛИК Тутуриқсиз эканлик, тутуриқсизга хос хусусият, хатти-ҳаракат, қилиқ. *Мақсумжоннинг сўзидан қандайдир бир тутуриқсизликнинг ҳиди буруқсаб турарди.* Ғайратий, Довдираш. *Дўқ уриш ва қўполлик ходимнинг.. ожизлигини, тутуриқсизлигини кўрсатади.* Газетадан. [*Онахон*] *Назокатнинг яна паранжи ёпиниб олиб, ўтакетган тутуриқсизлик қилганини эшитгач, қаттиқ хафа бўлган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТУТУҚ I **1** *кам қўлл.* Тутиб қўйилган; тутуқли. *Парда тутуқ дераза.*

2 *эск. айн.* **айириш белгиси** *қ.* **айириш.**

ТУТУҚ II *шв.* Дудуқ.

ТУТУҚ III *шв.* Чиммат, чачвон.

ТУТУҚЛИ Тутиб қўйилган, тутилган. *Ойналарда парда тутуқли эди.*

ТУТЧИЛИК Тут дарахти ўстириш, етиштириш. *Ипак қурти учун асосий озуқа базаси бўлган тутчиликка эътибор бермоқ.*

ТУТҚА Даста, тутқич. *Эшик тутқаси.* ▬ *Душаннинг отаси.. тутқаси ялтиллаб турган ҳассасини олиб, ўз хонасига кириб кетади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТУТҚАЗМОҚ *айн.* **ушлатмоқ.** *Ноиб отдан тушди. Қамчисини этигининг қўнжига буклаб тиқиб, жиловни Аматжонга тутқазди.* С. Сиёев, Аваз. *Машраб ҳали-ҳали эслайди, Ашрафжон бир кун унинг қўлига аллақайси китобни тутқазиб, Барнога олиб бориб беришни илтимос қилди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ТУТҚАЛОҚ *шв.* Тутқаноқ, қуёнчиқ. *Соҳиблар мироба: -Тутқалоғи тутди итваччанинг, — деб кулди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТУТҚАНОҚ 1 *тиб.* Даврий равишда тўсатдан тутиб қоладиган, киши ҳушидан кетиб, акашак бўлиб қоладиган, бедаво асаб касаллиги; қуёнчиқ, эпилепсия. *Тутқаноғи бор одам. Тутқаноқ касаллиги.* ▬ *Салим ваҳиманинг тутқаноғи яна бошланди. Асаби жуда чатоқ экан боланинг.* А. Мухтор, Чинор.

2 Шундай касалга йўлиққан одам.

ТУТҚАНОҚЛИ Тутқаноқ касалига мубтало бўлган, тутқаноғи бор. *Тутқаноқли бола.*

ТУТҚИ *айн.* **тутқа.**

ТУТҚИЗМОҚ *қ.* **тутқазмоқ.** *У кийимларини менга тутқизиб, сувга шўнғиди.* ▬ *Йўлчи ўтиргач, Шокир отанинг етим набираларини.. ўпиб, узумдан икки бошини уларнинг қўлига тутқизди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУТҚИЛАМОҚ *с. т.* Ушлаб тортавермоқ, тортқиламоқ. *Бола онасининг этагидан тутқиларди.*

ТУТҚИЧ 1 Нарсаларнинг қўл билан ушлаш учун хизмат қиладиган қисми, даста. *Дераза тутқичи.* ▬ *Паранжи-чачвон ёпинган аёллар деразаларни астагина силаб кўришар, ичкарига мўралаб, бўялган эшикнинг ялтироқ, чиройли шиша тутқичларини авайлабгина ушлаб қўйишарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Турли нарсаларни қисиб тутиб турадиган буюм, қисқич. *Ювилган кийимларни тутқич билан тишлатмоқ.*

Тутқич бермоқ *(кўпинча бўлишсиз шаклда)* Ўзини туттириб қўймоқ. *Қуён тутқич бермай қочди.* ▬ *Қуш ҳам итга тутқич бермай, яна пириллаб учди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТУТҚИЧЛИ Тутқичи бор, тутқичга эга бўлган. *Уйнинг ўнг томонидаги оғир, попукли духоба парда.. шиша тутқичли бир эшикда ҳимарилган дарпарданинг узун этаклари солланиб турарди.* У. Исмоилов, Сайланма.

ТУТҚИЧСИЗ Тутқичи йўқ, тутқич ўрнатилмаган. *Тутқичсиз дераза.* ▬ *Ахир Тошкентдек шаҳри азимда қанча-қанча артель, корхоналар бўлса-ю, қурган иморатларимизнинг деразалари тутқичсиз қолса..* «Муштум».

ТУТҚУН 1 Асир олинган, асирлик ҳолатидаги шахс; асир, банди. *Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, ҳалиги туркман.. яна тутқунлар қошида пайдо бўлди.* С. Айний, Қуллар. [*Тоғамни*] *Тутқун қилиб олганлардан бири мен билан ўзлари орасида ўтган воқеани у ердагиларга айтиб берди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Фарзандим, ёлғизим, ғанимларга тутқун бўлиб қолмагин.* «Равшан». *Бундан ортиқ жазо беришдан ўзини тийди, сабаб устод Қавом бошқа тутқун кишиларнинг қаҳрли кўзларидан ҳайиқди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Эрки, ҳуқуқи ўзида бўлмаган, ҳуқуқи биров ихтиёрида бўлган. *Сени кўрдим, ёдимга тушди Ёшлигимда кўрган бир жувон. Ўзи сухсур каби гўзал эди, Фақат тутқун, бағри тўла қон.* Уйғун. *Биз балиқ овловчи, тутқун қуллармиз, Не тутсак, хон томон дарҳол йўллармиз.* С. Абдулла. [*Зумрад*] *Шунча тутқун бўлишига қарамасдан, бу қизнинг қалбига муҳаббат олови аллақачон тушган эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ТУТҚУНЛИК 1 Тутқун ҳолат. *Тутқунликдан.. қутқазилган Гулнорнинг қушдек учгиси келар, лекин бошидан кечган даҳшатли воқеалар орқасида оёқларида заррача мадор сезмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Асирликдаги ёки эрксиз, ҳақ-ҳуқуқсиз шароитдаги ҳаёт; асорат. *Сенинг эркинг, ҳаққинг ўғирлаб, Иродангга занжир солган ким? Эрк макони бўлган ўлкада Нечун қолдинг тутқунликда жим!* Зулфия. *Унда [«Сайдинг қўя бер, сайёд» да] авторнинг тутқунлик ва қулликка қаршилиги, эркин ҳаётга интилиш орзулари ифодаланган.* «ЎТА».

ТУФ I *унд. с.* **1** Тупурганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Насва [насиба] тортиб келиб қолса Аҳмаджон, Ҳақ, туф, деб тупуради юзингга.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 *этн.* Кўз тегмасликни истаб айтиладиган сўз. *Анзират хола унинг боласига ҳаваси келиб, ўрнидан туриб, болани қўлига олди: -Туф, ёмон кўздан сақла, мунча ҳам дўмбоқ, мунча ҳам оппоқ!* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Туф деб (*ёки* **туфлаб) тугмоқ** Топганини йиғмоқ, тўпламоқ. *-Нусратбек топганини туф деб тугаётган бўлса керак, — деди юзлари қип-қизил, думалоққина шериги уни қувватлаб.* С. Нуров, Нарвон. **Юзига туф демоқ** (*ёки* **туфламоқ)** *дағл.* Ҳақорат ифодаси сифатида бетга қараб «туф» демоқ. *Сағирнинг ҳақи менга эмас, менинг ҳақим сағирга ўтмаса, юзимга туф денг..* П. Турсун. Ўқитувчи.

ТУФ II [*итал.* tufo < *лот.* tofus – ғовак тош] *геол.* Қурилиш материали сифатида ёки бошқа мақсадларда ишлатиладиган ғовак, рангдор тоғ жинси (вулқон отилиши маҳсули ёки иссиқ булоқ чўкиндиси сифатида ҳосил бўлади). *Туф кўп асрлардан буён фақат қурилиш материали ҳисобланар эди. Эндиликда эса бу тошдан оригинал газлама тайёрланмоқда.* Газетадан.

ТУФАЙЛИ I [*а.* طفيل – (бировнинг) ҳисобига, воситасида; сабаб, баҳона] **1** *кўм.* Сабабли, орқали. ■ *Экзема организмда модда алмашинишининг бузилиши туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин.* Газетадан. *Ён қадоқ жўхори туфайли шу кўйга тушаман, деб Аваз сира ўйламаган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Турмушдаги жамики яхшиликлар, гўзаллик ва фаровонликлар инсон туфайлидир.* Газетадан.

ТУФАЙЛИ II [*а.* طفيلى – чақирилмаган меҳмон, текинтомоқ] *эск.* Биров ҳисобига кун кечирувчи, текинхўр, текинтомоқ шахс. *Ундай туфайлиларни битирмоқ керак эди.* Ойбек, Навоий.

ТУФАЙЛИДАН *с. т. айн.* **туфайли 1**. *Муштипар волидаи муҳтарамлар! Биз истиқлол туфайлидан ёруғлик, рўшнолик кўрдик.* Газетадан.

ТУФАНГ, тўфанг *эск.* Чақмоқтош ёрдамида отиладиган пилта милтиқ. *Амир ўшанча тўп, туфанг, хазина ва дафина билан ҳеч бир иш қилолмаган эди..* С. Айний, Дохунда. *Эшитганимга кўра, большевикларнинг тўплари, туфанглари ва фидойи аскарлари кўп эди.* «Муштум».

ТУФДОН Тупуриш учун қўйилган махсус идиш. *Туфдон, одатда, касалнинг бош томонида полга қўйилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Мутриб оғир йўталиб, туфдонга тупурди.* С. Сиёев, Аваз.

ТУФДОНЛИ Туфдони бўлган, туфланадиган махсус қисми бор. *Кунлардан бир куни Қарши ҳокими Бухоро амири Олимхон саройига мисдан ясалган туфдонли ажойиб дастшўй туҳфа қилади.* Газетадан.

ТУФЛАМОҚ 1 *айн.* **тупурмоқ 1, 2.** *Сулаймонов қаймоқдан бир қошиқ олиб ичдида, бирдан афти бурушди, туфлагани жой излади, туфлади.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Кир бармоқларига туфлаб, бир-бирига ёпишган киприкларини ҳўллаб юмшатиб, зўрға очарди.* С. Нуров, Нарвон.

3 «Туф» («туф-туф») демоқ. *қ.* **туф** I **2.**

Кўкрагига (*ёки* **кўксига**) **туфламоқ** *этн.* Қўрқиб кетганда, бирор нарсанинг даф бўлишини тилаб ёки даф бўлганидан хурсандлик белгиси сифатида «туф» («туф-туф») демоқ (*қ.* **туф 3**). *-Кайфим учиб кетди-я! – деди қори ва ёқасини катта очиб. кўкрагига уч марта туфлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..қўрққанларидан дағ-дағ қалтираб, кўкракларига туфлаб, пастга тушибришибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Уларнинг саломатлигини кўрган шогирд ўз кўксига туфлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Туфлаб тугмоқ** *айн.* **туф деб тугмоқ** *қ.* **туф.** [*Куёв*] *Ўта зиқналикдан, ичадиган чойларини ҳам ўлчаб берадиган бўлди, тийинларни туфлаб тугди.* Ш. Ғуломов, Саҳрода.

ТУФЛИ [*қад. нем.* tuffele, *голл.* tuffel – бошмоқ < *юн.* pantophelle – таглиги пўкакдан бўлган сандалет] Тўпиқдан паст оёқ кийими. *Баланд пошнали туфли. Амиркон туфли. Туфли киймоқ.* ■ *Қабулга келган қиз шинамгина туфлисининг баланд пошналарини тақиллатиб, стул олдига юриб келди-да, атлас кўйлагининг этакларини астагина йиғиштириб, ноз билан стулга ўтирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТУФ-ТУФ Туф I с. такр. *-Қўй кўриб, бундақангисини кўрган эмасман! Елкасигача нақ ёғ бўлиб кетибди, йўлда кўзланган бўлмасин, туф-туф! – деди хотин.* С. Абдулла, Соялар.

ТУХМАК I [*ф.* تخمک – насл, авлод, уруғ; уруғдон] *тиб.* Кўзга қон қуйилиши, кўзнинг қизариши билан характерланадиган касаллик.

ТУХМАК II Воҳаларда ўсадиган оч сариқ хушбўй гулли ўсимлик (дарахт, бута ёки кўп йиллик ўсимлик).

ТУХУМ [*ф.* تخم – уруғ, тухум; авлод, насл; сперма] **1** Урғочи парранда, тошбақа ва б. баъзи ҳайвонларнннг бола очиш учун қўядиган, қобиқ билан ўралган жинсий юмуртқаси ва шу нарса – таркибида барча озиқ моддаларига эга бўлган таом маҳсулоти сифатида. *Товуқнинг тухуми. Ўрдакнинг тухуми. Тухум қилмоқ. Қовурилган тухум. Тухум ютмоқ.*

Анқонинг тухуми *қ.* **анқо.** *Нимасини суриштирасиз, мулла ака, хўжайинлар орасидан эпақага келадиганини қидириш анқонинг тухумини қидириш билан баробар экан..* Ойбек, Танланган асарлар. **Тухум босмоқ** 1)

тухум қилиш учун мояк устида ўтирмоқ. *Бундан роса ўн йил бурун мана шу болохонадаги қазноқда тухум босиб ётган фаранги товуқ бирданига қоқолаб, том орқасига – Собиржон қориникига учиб тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) жўжа очиш учун маълум вақт тухумларга бағрини бериб ётмоқ. *Сўрининг бурчагига ин қурган мусичанинг тухум босиб ётганини кузатди.* Газетадан; 3) *кўчма* ҳеч бир иш қилмай, уйдан эшикка чиқмай ётмоқ, лоқайд юрамоқ. *Раҳим тағин четга сурилади, балки яна чакагини боғлаб, уйда тухум босиб қоларди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Тухум бостирмоқ** Жўжа очиб чиқарсин учун, курк бўлган товуқнинг остига тухум қўймоқ. *Комилжон бостирган тухумлар жўжа бўлмай, палағда чиқиб қолдими?* И. Раҳим, Ихлос. **Тухум очмоқ** Тухум босиб ётиб, жўжа чиқармоқ. **Тухум уриштирмоқ** (*ёки* **ўйнамоқ**) Пишган тухумларни бир-бирига уриб, кимники синмай қолишга ўйнамоқ. *Икки ариқнинг атрофига чойхоналар очиларди.. Қиморбозлик бўларди, мозорлардан шайх ва қаландарлар келарди.. тухум ўйнашарди, сўнгра мастбозлик.* И. Раҳим, Ихлос. **Тухумга кирмоқ** Тухум қила бошламоқ. *Товуғимиз тухумга кириб қолди.* **Тухумдан чиқмоқ** 1) тухум қилмай қўймоқ; 2) тухумни ёриб чиқмоқ, жўжаламоқ. **Тухуми оғзига келмоқ** (*ёки* **тиқилмоқ**) Жуда зиқ, танг аҳволда қолмоқ. *Охири тухум оғзига келганда, «ҳа бўл, ҳа бўл»га тушиб, шўр ернинг ярмини ҳам юволмадик.* «Муштум».

2 *биол.* Жинсий ҳужайра. *Тухум йўли. Тухум ҳужайраси.*

3 *бот.* Уруғ. *Ошқовоқнинг тухуми.*

4 *кўчма* Насл, авлод, зурриёт, зот. *Тухуми қуриган ҳайвонлар.* ▬ *Кўк қурт! Ёмон офат. Ғўзанинг заволи. Тезда тухум-тухумини қуритиш керак.* Р. Азизхужаев, Яшил чайла. *Ўлсам ўлайин, одам тухумидан қўрқмайман.* «Ойсулув».

Тухми одам (*ёки* **инсон**) Одам зоти. *Султоним, бир кун бўлган одам, бир кун ўлади, тухми одам бошида шу савдо бор.* «Гулихиромон». **Тухумини қуритмоқ** (*ёки* **қирмоқ**) Бутунлай йўқ қилмоқ. *Агарда нажотимиз қипчоқ тухумини қуритишда бўлса, мени ҳам оссинлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [*Давлатёр*] *фиғон чекаётир: -Сени ўлдирганнинг тухумини қираман, акажоним!* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *кўчма* Умуман, юзага келтирувчи нарса, уруғ. *Агар сиз нафсиламрга қарасангиз, икки халқни бир-бирига совуқ кўрсатиб, адоват тухумини сочиб келувчи бир нечагина одам бор..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУХУМБАРАК *шв.* Хамир ичига тухум солиб, қайнатиб пишириладиган овқат тури.

ТУХУМДОН [*ф.* تخمدان – тухум турадиган, ҳосил бўладиган жой] *анат.* Аёлларда, урғочи ҳайвон ва жониворларда тухум ҳужайраси ҳосил бўладиган, жуфт ҳолдаги жинсий без; оналик (урғочилик) бези. *Ҳомиланинг ривожланиш жараёни тухумдонда уруғланиш билан бошланади.* «Фан ва турмуш».

ТУХУМЛАМОҚ *шв.* Тухум қилмоқ, тухум қўймоқ.

ТУХУМСИМОН Тухумга ўхшаш, кўринишдан тухумни эслатадиган. *Тухумсимон тош. Тухумсимон барглар.*

ТУХУМХЎР [*ф.* تخمخور – тухум еювчи] **1** Тухум ейишни яхши кўрадиган. *Тухумхўр бола.*

2 *зоол.* Ўз тухумларини бошқа ҳашаротларнинг тухумлари ичига қўядиган ҳашарот, уруғхўр.

ТУШ I Уйқуда вужудга келадиган субъектив психик ҳодиса, жараён; уйқуда кўриладиган образлар, нарсалар. *Анов муттаҳам ким? Нега мени бу ерга ўғирлаб келади? Ҳеч нима тушунмайман! Тушимми? Ўнгимми*? Ойбек, Танланган асарлар. *Қани энди ҳозир шу тушим ўнг бўлиб қолса. Онам ўлмаган бўлсалар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Қани энди шуларнинг ҳаммаси тушим бўлсаю, уйғониб кетсам!.. Қадамимни билиб босар эдим.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Туш билибманми (*ёки* **кўрибманми**)? Қаёқдан билай? *Туш кўрибманми унинг келишини?* ▬ *Туш кўрибмизми апрелда совуқ бўлишини?* С. Маҳкамов, Шогирд. **Туш кўрмоқ** Уйқуда туш жараёни юз бермоқ, уйқусида нарса, воқеа-ҳодиса ва ш.к. кўринмоқ. *Бир яхши туш кўрдим, айтиб бераман.* К. Яшин, Ҳамза. **Тушига кирмоқ** Уйқусида (тушида) кўринмоқ. *-Гавҳар, аям тузукмилар? -Кеча тушимга кирибдилар. Қопқоронғи чакалакзорда оқ кўйлакда юрганмишлар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Агрегатлар ёрдам берар ишимга, Севган касбим ҳатто кирар тушимга.* «Гулдаста». **Ту-**

шида кўрмоқ *айн.* **тушига кирмоқ.** *Етти ойдан бери фақат тушимда кўраман уни.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тушда кўрдим дилбаримни, эй сабо, уйғотмагил.* Э. Воҳидов. **Тушингизни сувга айтинг** Бекор айтибсиз, бўлмаган гап, асло ундай эмас. *Эс-ҳушини йўқотиб, гарангланган деҳқон дастлаб индамади. Ёш баққол вайсайвергандан сўнг, бир уҳ тортиб, секингина деди: -Ўн тўрт сўм берасиз.. -Э? Ўн тўрт сўм? Тушингизни сувга айтинг.* Ойбек, Танланган асарлар. **(Ухлаб) тушига кирмаган** (*ёки* **тушида кўрмаган**) *ёки* **етти ухлаб, тушига кирмаган (***ёки* **тушида кўрмаган)**. *Дилдор ўйламаган, ўйлаб тушига ҳам кирмаган икки қийинчиликка рўбару келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У куёви билан шу хилда учрашишни етти ухлаб, тушида ҳам кўрмаган эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *У ердан Ғуломжон кутган, Ғуломжонни зору интизор этган жонон эмас, Ғуломжоннинг етти ухлаб, тушига кирмаган нотаниш бир жувон чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Абдишукур тушида ҳам кўрмаган пойтахт театрларини мақтамоқчи бўлиб, энди сўз бошлаган эди, Ёрмат дастурхон келтириб, норин тайёр бўлганини билдирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Анвар жим бўлиб қолди, тушига ҳам кирмаган бу таклифга нима дейишини билмай энтикди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Энди тушингизда кўрасиз** «Эндиликда асло кўрмайсиз», «кўриб ҳам бўлибсиз» каби маъноларни ифодаловчи ибора. *Бундай келинни энди тушингизда кўрасиз.*

ТУШ II Қуёш қоқ тепага келган пайт. *Тушгача ишламоқ. Тушда дам олмоқ. Девонанинг ақли тушдан кейин кирибди.* Мақол. ▬ *Туш пайти, таълимдан қайтдим бемажол.* Туйғун. *Туш чоғи яқинлашганда, бир чопар от чоптириб, бойнинг ҳовлисига кириб келди.* С. Айний, Қуллар.

ТУШАМОҚ *кам қўлл.* Тушовлаб боғламоқ, тушовламоқ. *Маҳбусларга.. бу ҳам етмаганидек, тағин тирсакларидан бирбирига тушаб қўйилган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУШИМ *қ.* **тушум**. *Расво қилган мени пора, Бебилиска тушим, аттанг.* Т. Йўлдош. *Кўмир омборининг тушим пулларини дасталаб санашда отаси унга тан берадиган бўлиб қолди.* Газетадан.

ТУШИРГИ *шв.* Ортиқча сувни оқизиб юборишга мўлжалланган махсус тарнов, мас., сув тегирмонида.

ТУШИРГИЧ Бирор нарсани тушириш, тушириб қўйиш учун хизмат қиладиган буюм, мослама. *Қозон туширгич. Сув туширгич.* ▬ *Алижон ўғит туширгични кўздан кечирди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ТУШИРМОҚ 1 Тушмоқ фл. орт. н. *Ертўлага туширмоқ. Трамвайдан тушириб қўймоқ. Амалдан тушириб юбормоқ. Поезддан тушириб юбормоқ. Пардани туширмоқ. Чув туширмоқ. Арзонга туширмоқ. Қўлга туширмоқ. Пенициллин иситмани туширади.* ▬ *Муҳтарам қайин отамизга! Сиз билан мени қоронғи зиндонларга тушириб, дор остларигача тортган.. Ҳомид исмли бир тўнғизни, ниҳоят, икки йиллик саргардонлик сўнгида, ёрдамчилари билан тупроққа қориштиришга муваффақ бўлдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Танаси икки қулочга сиғмайдиган бир туп сада теваракка тангадай офтоб туширмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўтабой ака аввал яхши гапирди, кейин шовқин солиб, «бригадирликдан туширамиз», деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Элмурод ҳаммани мукофотга тақдим этганда, ўзини тушириб қолдирган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Ортилган юкни ерга олиб қўймоқ, юкдан бўшатмоқ. *Юк туширмоқ. Қурилиш материалларини вагондан туширмоқ.* ▬ [*Йўлчи*] *Бойнинг дўкони олдига ўнларча, юзларча той газламани тушириб.. ердан шипга қадар тахлар, яна аравани миниб жўнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор нарса билан урмоқ, солмоқ (одатда қаттиқ, залворли нарса билан бўладиган зарб ҳақида). *Мушт туширмоқ. Тош билан туширмоқ.* ▬ *У* [*Роҳила*] *бор кучини тўплаб туриб, автоматнинг қўндоғи билан асирнинг қулоқ чеккасига шарақлатиб туширди,* А. Муҳиддин ва Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Матпано сўйил билан битта итнинг калласига туширди.* С. Сиёев, Аваз.

4 *кўчма с. т.* Иштаҳа билан емоқ, ичмоқ; еб-ичиб қўймоқ. *Бир коса шўрвани туширдим.* ▬ *Йигитлар дастурхонлар ёнига ўтирдилар-да, шаробларни нўш қилиб.. гўштларни туширa кетдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Зуннунқори.. тўртта нонни чой билан паққос тушириб, энди ҳолвайтарга иштаҳа сақлаб турган эди, бир киши чақириб келди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Хола, кўнглимдагини сезгандай,*

бир коса жўхори гўжа олиб чиқиб, олдимга қўйди. Яримта зоғора нон билан тушириб олдим. С. Сиёев, Ёруғлик.

5 Ўқиб ёки оғзаки, ёдаки айтиб тамомламоқ, тугатмоқ. *Достонни ўқиб туширмоқ.* ▬ *Самад бўқоқ индамай, четга бурилиб кетди. Шукур сўфи шом намози учун такбир тушира бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Зайниддин қўлига олган китобни туширмагунча қўймасди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

Қовун туширмоқ *шв.* Ўринсиз ҳаракат, гап ва ш. к. билан ишни расво қилиб қўймоқ, ишни бузиб қўймоқ.

ТУШКИ Туш пайтида бўладиган; туш вақтидаги. *Меъмор тушки овқат вақтида Зулфиқорни ёнига чақириб, ундан бўлган воқеани сўради.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Сидиқжон тушки дам олишдан кейин кечгача хийла дуруст ишлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУШКУН Сўниқ ҳис-туйғули, руҳи паст; сўниқ. *У бугун ҳам ҳовлимизга паришон ва тушкун бир ҳолатда кириб келди.* Ў. Ҳакимали, Навбаҳор. *-Вақт ўтди, — деди ҳазрат тушкун бир овоз билан.* К. Яшин, Ҳамза. *Жабборов, ундаги* [*Аҳмаджондаги*] *ўзгаришни одатда бир-бирига меҳрибон кишилар узоқ вақт ажралишаётганда бўладиган тушкун кайфиятнинг таъсири, деб билди.* А. Муқимов, Ғалати одамлар.

ТУШКУНЛИК 1 Тушкун ҳолат. *Ичкилик тушкунликка олиб боради.* ▬ *Калладаги қора хаёлларни ҳайдаш керак, тушкунлик — энг ёмон душман.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Пўлатнинг кўзларидаги алам аралаш тушкунликни кўргач.. деди: -Хафа бўлма, Пўлат.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Тушкунликка тушмоқ Тушкун ҳолатга берилмоқ. *Иродали киши ҳаётни ҳамиша тўғри тушунади, тушкунликка тушмайди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Бундай одам ҳеч қачон тушкунликка тушмайди, нолимайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Тарихий жараёнда ривожланиш эмас, аксинча, орқага, қуйига кетиш. *Иқтисодий тушкунлик.* ▬ *..бой тарихга эга бўлган Ўзбекистон фани, муайян тарихий сабабларга кўра, бир неча аср давомида тушкунликни бошидан кечиради.* Газетадан.

ТУШКУР Ўзидан олдинги сўз билдирган шахсни эркалаш, суйиш ёки енгил койиш каби маъноларни беради; шундай муносабатни ифодалайди; тушмагур, қурғур, қурмағур. *Бироқ қизи тушкурнинг ҳуснини, ширин сўзларими, ҳар қалай, Ғиёсиддиннинг тил-жағини боғлаб, қулоғини кар, кўзини кўр қилиб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шунинг учун* [*ҳожи*] *ўз тарафидан Ўзбек ойим тушкурни яхшилаб эпга олмоқ, юз қизартирадиган ишларига қарши чораларни кўрмак фикрига тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Вой, отаси тушкур-эй, — деди кула-кула Муса, — мен сизни сўфи, бундай ишларга эътибор қилмайди, деб юрсам, сизда гап кўп экан. Вой, отаси тушкур-эй!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУШЛИК Туш вақтида ейиладиган овқат; овқатланиш, ейиш-ичиш. *Тушликка шўрва пиширмоқ. Тушлик чой.* ▬ *Боғда ишлаётган колхозчилар аллақачон тушликка чиқиб, ўзларининг камтарин овқатларига Ойқизни ҳам таклиф этдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бўлган иш шуки, ўша куни тушлик маҳалида Холмурод аканинг звеносида учта кетмон йўқолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУШМАГУР *айн.* **тушкур**. *Қиз тушмагур ўйинга уста экан.* ▬ *Йигитали энди жавонга яқинлашган эди, Саври хола кирди: -Мана, ўғлим, ўзингиз ажратинг, бу қурғур иккисиям жигарранг дафтар, Дилнавоз тушмагур қайси бирини сўрапти экан.* С. Кароматов, Бир томчи қон. [*Роқия:*] *Муҳаббатингиз балодек кийим танлайди. Турғунжон акам зиёфатимга етиб келолмасалар, нима қиламан, деб ичи пишганича бор экан-да, қизим тушмагурнинг.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ТУШМОҚ 1 Юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга томон ҳаракат қилмоқ; йўналмоқ. *Ердан чиқдими, осмондан тушдими, йўлда биттаси пайдо бўлиб қолсами?!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Машина шундоққина Менглибойнинг ёнига келиб тўхтади-ю, ундан эшикни тарсиллатиб очиб, Ҳазратқул билан Темурланг тушди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Сен баланд тоғ узра эрдинг мисли оҳу ёки қуш, Ёлвориб мен пастда дердим: Бир нафас ёнимга туш.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Чиқиб жойлашган, ўтирган, бўлган жойини тарк этиб, ерга инмоқ. *Самолётдан тушмоқ. Аравадан тушмоқ. Томдан тушмоқ. Автобусдан тушмоқ.* ▬ *Кечирасиз, қаерда тушмоқчилар?* Х. Тўхтабоев, Ширин қо-

вунлар мамлакати. *Вагондан энг кейин тушган.. Аҳмаджон: -Строй [саф] бўлмасдан шундай кетаверсак бўлмасмикан, — деди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Ўз жойидан чиқмоқ, кўчмоқ; чиқиб, кўчиб жойидан кетмоқ, йўқ бўлмоқ. *Сочи тушмоқ. Илоннинг пўсти тушибди. Молнинг туёғи тушибди.* ▬ *Бунинг устига унинг* [*Нафисанинг*] *тиши тушган — бу ҳомиладор вақтида содир бўлган эди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. *[Яра] Усти қора қўтир бўлиб қотади, у тушиб кетгандан сўнг, яна тери асли, соғ ҳолига қайтади.* Газетадан.

4 Мансаб, лавозим ва ш.к. дан кетмоқ, бўшамоқ. *Мен хизматдан тушгандан сўнг пиёда юриш яхши бўладими?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..икки ҳафтадан сўнг бўшашганича қайтиб келди.. -Оқ пошшо тахтдан тушгани билан, оқ амин аминлигидан тушмапти, — деди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Мана, мудирликдан тушди-ю, хийла одамшаванда бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Мавқе, даража, қиймат ва ш.к. жиҳатдан даражаси пастлашмоқ, бўшашмоқ. *Шаштидан тушмоқ. Ҳовридан тушмоқ. Қадри тушмоқ. Руҳи тушмоқ.* ▬ *Факультетимиз институт бўйича умумий рўйхатда бешинчи ўринга тушиб қолибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Дунё бозорида териларимизнинг нархи тушмаса дейман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

6 Қуйи томон йўналмоқ, қуйи сатҳдан жой олмоқ. *Шаҳарга тушмоқ. Бозорга тушмоқ. Ерга тушмоқ.* ▬ *Улар.. мажнунтоллар орасидан ўтиб, сойга тушдилар.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Кампир жавоб бўлмаганидан ҳайрон қолди шекилли, зиналардан авайлаб қадам босиб, ҳовлига тушди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

7 Сатҳнинг бирор томони, ўрнидан жой олмоқ, унда бўлмоқ. *Ялпи шовқин билан «тортишмачоқ» бошланди: қиз томондан гумбаздек юм-юмалоқ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшқобил бунақа давраларга кўп тушган.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Шамси Тўраевич унинг гапларига қулоқ ҳам солмасдан, олдинга тушганча лўмбиллаб кетаверди.* Н. Аминов, Суварак.

8 Турли томоша ва б. бўладиган, кўриладиган жойга кирмоқ. *Театрга тушмоқ. Циркка тушмоқ. Стадионга тушмоқ.* ▬ *Улар фақат бир марта кинога тушишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У ҳордиқ оқшоми ҳаммомга тушди-ю, ходмигарлардан бирига ҳалиги сўроғини берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

9 Даволаниш, ахлоқ тузатиш ва ш.к. масканга олинмоқ, унда бўлмоқ. *Қамоққа (турмага) тушмоқ. Милисага тушмоқ (с.т.)* ▬ *У фақат бир нарсани — отаси касалхонага тушганини онасига билдирмасликни ўйларди, холос.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Эҳтимол, кўп ичиб қўйиб, ҳушёрхонага тушгандир.* «Муштум».

10 Қуйи томон йўналиб, осилиб, сатҳнинг маълум нуқтасига етмоқ, ўша ўринда турмоқ. *Гавҳарнинг эгнида гулдор кўк кўйлак.. қоп-қора, узун сочлари тақимига тушиб турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..Ҳирот йигитларига хос ихчамгина салла ўраб олган, салланинг зар чизиқли печи елкасига тушиб турар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ёқимли садонинг сеҳрига берилиб, кўзлари секин юмилди, боши яна қуйироқ тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

11 Келин бўлмоқ; эрга тегмоқ, куёвга чиқмоқ. *Синглим тушган ерларга Ой бўлайин, ёр-ёр..* «Қўшиқлар». *У киши менинг янгам бўлади, акамга тушган.* «Гулдаста». *Ҳой, Тўрахон, Тешабойга тушганингизга ҳам уч йил бўп қолди шекилли.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

12 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган иш, ҳаракат, нарсани бажармоқ, қилмоқ маъносини билдиради. *Гапга тушмоқ. Мақтанишга тушмоқ.* ▬ *..ҳаваскор ҳофизлар қўшиқ айтди, шўх йигитлар ўйин тушди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Кечалар тонготарга қадар Ҳалимахон қўшиқ айтиб, Тамарахон рақсга тушган жойларда бўлдик.* «Ўзбекистон қўриқлари».

13 Шахс (кимса)да шу феъл бириккан сўз билдирган ҳолат юз бериши, унинг шундай вазиятда қолиши маъносини билдиради. *Саросимага тушмоқ. Даҳшатга тушмоқ. Талвасага тушмоқ. Ҳайратга тушмоқ.* ▬ *Бу манзарани кўриб турган халойиқ бир лаҳза ҳаяжонга тушиб, саросималаниб қолди.* К. Яшин, Ҳамза. *Баширжон ҳам акахонининг бу сукутидан ноқулай аҳволга тушиб, ломлим демай, унга зимдан бир қараб қўйди-да..* Н. Аминов, Суварак.

14 Борлиқда шу феъл бириккан сўз англатган нарсанинг юзага келиши, бўлиши маъносини билдиради. *Оқшом тушиб, зиёфат яримлаганда, ҳовлиқиб худайчи кирди.* С. Сиёев, Аваз. *Орага бир лаҳза жимлик тушди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Улар совуқ тушиб қолмасдан кўзлаган манзилларига етиш учун толмас қанотларини бетиним силкитардилар.* Газетадан.

15 Бирор иш, манбадан қўлга кирмоқ, келмоқ (пул, даромад кабилар ҳақида). *Тузуккина тушиб туради, яширишнинг ҳожати йўқ.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ошиҳалолга тушадиган овқат ортиб қола бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўғлимнинг қўлига пул тушди дегунча еб қўяди.* «Муштум».

16 Маълум нарса, ҳаракат-ҳолатнинг бирор кимса ёки нарса учун шу феъл боғланган сўз англатган маънода бўлишини билдиради. *Юлдузингиз нақ бир-бирингизга тўғри тушган экан, иккингизнинг ҳам бир-бирингиздан камлигингиз йўқ!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу ёш йигит, дунёда муҳаббатни ҳар қандай қулфга тушадиган калитга айлантириб олган хотинлар ҳам борлигини билиб қўйсин..* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Унинг сурати ҳам асосий мақсадга, Алишернинг табиатига хўб мувофиқ тушади.* Ойбек, Навоий.

17 Шахс учун бирор нарса қандайдир қиймат, миқдор билан тегмоқ, қўлга кирмоқ, тўғри келмоқ. *Сарф-харажат эса олтиннинг ўзидан ҳам қимматга тушаётган эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Лекин ўша ўтни сигирга едириб, қачон сут бўлишини пойлаб ўтиргандан кўра, ўтнинг ўзидан олса, ҳам арзон, ҳам осон тушаркан.* Шукрулло, Сайланма. *Ўзиям* [*беда*] *сув текин тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

18 Урилмоқ, тегмоқ (бирор нарса билан бўлган зарб ҳақида). *Шу шовқин-сурон орасида Бектемировнинг қорни ва белига бир-икки тепки тушди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бирдан елкамга тушган муштдан уйғониб кетдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Унинг шапалоғи шарақ этиб Ғуломнинг чап юзига тушди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

19 Пайдо бўлмоқ, юз бермоқ. [*Мадримбойнинг*] *Сариқ-қўнғир чўққи соқолига бирдан оқ тушди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *-Жинпин урганми сени? — Аҳмад бригадирнинг юрагига ғулғула тушди..* С. Нуров, Нарвон. *Сув қўйибман жийда майдон бурчига, Хол тушибдир келинчакнинг юзига..* «Қўшиқлар». *Бу фожиа катта кемага тушган дарзга ўхшарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

20 Барпо этилмоқ, қурилмоқ. *Ертўлалар бирин-кетин йўқолиб, ўрнига уйлар туша бошлади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Сидиқжоннинг диққати.. териб қўйилган сон-саноқсиз ғиштга жалб бўлди.. «Шу ерга мактаб тушади»* [*деди хотин*] А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Канал тушмасдан илгари бир одам Шаҳрихондан тухум кўтарса, Учқўрғондан кўринарди, шундоқ яйдоқ эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

21 Банд ҳолатга дучор бўлмоқ, илинмоқ. *Тузоққа тушмоқ. Қопқонга тушмоқ. Тўдадан ажралган тўрга тушар.* Мақол. ▬ *Бобур Шайбонийхоннинг қўлига тушса, тирик қутула олмаслигини билади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Орқа томонидан ўқ ёғдирилаётганига Дурди қилич ҳайрон: «Наҳотки қуршовга тушиб қолдик», деб гаранг эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

22 Олинмоқ, берилмоқ (хат, ариза ва ш.к. ҳақида). *Тингловчилардан савол тушди. Илтимос тушди. Таклиф тушди.* ▬ *Орадан кўп ўтмай.. редакцияга шундай хат тушди.* «Муштум». *Мажлисга.. яна ўн тўққиз кишидан ариза тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

23 Ўзга учун сарф-харажат қилмоқ, шундай сарф-харажатга илинмоқ. *Хотин киши эрига хушомад қилдими.. билингки, каттароқ бир нарсага туширмоқчи.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *..ҳали битта морожний эмас, лимонадга ҳам тушасиз..* Мирмуҳсин, Умид.

24 *кўм. фл. взф.* Ҳаракатнинг қўққисдан, кутилмаганда бажарилиши маъносини билдиради; маънони кучайтиради. *Чўчиб тушмоқ. Қоқилиб тушмоқ. Бу сўзлар унга ёқиб тушди.* ▬ *-Аҳмаджон оға, — деб чақирганини эшитди. Юраги бир сапчиб тушди.* С. Сиёев, Аваз. *Унинг калтагина мўйлови, қоп-қора қоши ўзига ярашиб тушган.* Ҳ. Шамс, Душман.

Асир тушмоқ Бандилик ҳолатида бўлмоқ, душман қўлига тушмоқ. **Айри тушмоқ** *қ.* **айри**. *Кўзи хира тортиб борарди, Айри тушиб ёруғ оламдан.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. **Бош(и)га тушмоқ** 1) қисматда тўғри келмоқ, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари ҳаётда дуч кел-

моқ, тўғри келмоқ. *Бошга тушганни кўз кўрар.* Мақол. ▬ *Низомжон ўз бошига тушадиган савдоларнинг худди шу дақиқадан бошланишини қаёқдан билсин.* С. Аҳмад, Уфқ. *Дунёнинг ишлари шунақа экан, дўстим. Бошингизга тушган ишларнинг ҳаммасидан хабарим бор.* К. Яшин, Ҳамза; 2) *айн.* **бўйнига тушмоқ**. *Ўн беш яшар чоғимда, Рўзғор бошимга тушди.* «Оқ олма, қизил олма». **Бўйнига тушмоқ** *қ.* **бўйин.** *Шундай қилиб, мовут менинг бўйнимга тушиб турибди, денг?!* С. Зуннунова, Янги директор. **Ёдига тушмоқ** Хаёлида (ёдида) қайта тикланмоқ. *-Онамни хафа қилганим ёдимга тушди, — деди хотини яна кўзига ёш олиб.* «Гулдаста». **Ёнига тушмоқ** 1) ёнига ўтмоқ. *..кўзларини ерга бир лаҳза қадаб турди-да, кейин шартта ҳалиги йигитнинг ёнига тушиб, ўйнаб кетди.* К. Яшин, Ҳамза; 2) тарафини олмоқ, ҳимоя қилмоқ, ёнини олмоқ (*яна қ.* **ён). Зиммасига** (*ёки* **бўйнига, гарданига, елкасига, устига**) **тушмоқ** *қ.* **зимма.** *Тўйдан кейин бойбуванинг хизматини икки кишилашиб қилди: ташқаридаги юмушлар Холбойнинг, ичкаридагилари эса янги келинчак зиммасига тушди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шартнома мазмунига кўра, сизнинг гарданингизга тушадиган бир кўп чиқимларни мен ўз зиммамга олдим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Изга тушмоқ** *қ.* **из**. *Шу тариқа мактабда ўқиш-ўқитиш ишлари мустаҳкам изга тушиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Изига тушмоқ** *қ.* **из**. *Кейин ҳаёт яна ўз изига тушади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Демак, Бадианинг изига тушганлар бор экан, бўлмаса, унинг қиз бола эканини авлиёдан бўлак ҳеч ким билмас эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ишга тушмоқ** Янгидан ёки маълум муддат ўтказиб қайтадан ишлай бошламоқ. *Завод ишга тушди.* **Иши тушмоқ** *қ.* **иш.** *Одамзоднинг ҳамма вақт бир-бирига иши тушиб туради.* С. Зуннунова, Янги директор. **Ичи тушган** Пишиб ўтиб кетган, пўла (асосан қовун ҳақида). *Танишимнинг ўғли бўлганинг учун ҳам сийлаб, қовунингни олдим.. Бари йўлда уриниб, ичи тушган.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. **Ишқи тушмоқ** *қ.* **ишқ**. *Бунинг чиройлилигига Тожибой оқсоқолнинг ҳам ишқи тушиб қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Йўлга тушмоқ** *қ.* **йўл.** *Юк машинаси чангни иккига бўлиб, йўлга тушди.* Н. Қобил, Беморлар. *Уни биров айнитдими, меҳнатдан совиб.. саёқлик йўлига тушдими, билмайман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саводсизликни тугатиш бўйича ўқиш бир қадар йўлга тушиб олди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўнгли жойига тушмоқ** *қ.* **кўнгил**. *Унинг кулаётганини кўриб, Зойиржоннинг кўнгли жойига тушди шекилли, қаршисидаги стулга ўтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Энди синглингнинг акасини топиб кел, ўргилсин онанг. Кўрсатмасанг, кўнгли жойига тушмаяпти.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Назарга тушмоқ** Эътибор қозонмоқ, назар-эътиборда бўлмоқ. *Интизоми яхши, ишига ҳам бажонидил киришади-ю, назарга тушмайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Назардан тушмоқ** Назар-эътибордан қолмоқ, обрў-эътиборини йўқотмоқ. *Дастлабки кунларда қишлоқ аҳолисининг диққати жалб бўлган янги домла бора-бора назардан тушиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Терга тушмоқ** Тер босмоқ, қаттиқ терламоқ. *Отлар терга тушиб, кишнаганларича йиқила бошлади..* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Тил(и)дан тушмаслик** Бирор кимса ёки нарса ҳақида доим гапирмоқ, эсга олиб гапирмоқ. *Фаттоҳ полвоннинг қизи Ҳурихон кўзга чалиниб, қирқбулоқлик йигитларнинг тилидан тушмай қолди.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

ТУШОВ 1 Узоққа кетиб қолмаслик учун от-улов ва молларнинг олдинги икки оёғини маташтириб боғлайдиган арқон ёки мослама. *Искандар эса кўрпачада ётганча, бедаси ўрилган пайкалда тушовини судраб, хак(к)ачаклаб юрган эшакдан кўзини узмасди.* С. Нуров, Нарвон. *Худоёров отнинг тушовини ечиб минди-ю, орқасига қарамай, жўнаб қолди.* О. Қўчқорбеков, Чўпон.

2 *кўчма* Умуман, эркин ҳаракатланишга қўймайдиган, уни «боғлаб қўядиган» нарса. *Айтадиган гапим йўқ, бир зум чайналиб туриб, кутилмаганда Ошно берган ваколат ёдимга тушди-ю, тилимнинг тушови ечилди.* М. М. Дўст, Лолазор.

Оёққа тушов бўлмоқ Эркин ҳаракатланишга тўсиқ бўлмоқ, имкон бермаслик. *..ўз вақтида олиб кетмаганимиз учун ўғит оёғимизга тушов бўлди.* «Муштум». **Эшагига** (*ёки* **уловига**) **яраша тушови** Бир-бирига яраша, мос, муносиб, монанд каби маъноларни ифодалайдиган ибора. *Эшагига яраша тушови демоқчисиз-да?* Уйғун, Сўнгги пушаймон. *Баракалла, уловига яраша тушови деганларидек.. техникадан қийинчилик*

тортгани учун дард қолишяпти булар. Й. Шамшаров, Доврук. **Эшагидан тушови қиммат** Ўзидан абзали, керак-яроғи қиммат ёки харажатни қопламайди деган маънода ишлатиладиган ибора. *Бутун иш кетмонда бажариларди. Натижада эшагидан тушови қимматга тушарди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ТУШОВЛАМОҚ Тушов билан оёқларини боғламоқ, оёғига тушов солмоқ. *Қўрадан ташқаридаги майдонда икки туя ёнма-ён чўктирилиб, тиззалари чилвир билан боғланган ва икки эшак тушовлаб қўйиб юборилган эди.* С. Айний, Қуллар. *Отларни тушовлаб, ўтга қўйиб келаётган Шербек узоқдан: -Ҳорма, Сувонжон! — деб қичқирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Эркин ҳаракатлана олмайдиган қилмоқ, измига бўйсундирмоқ. *Орамизда ҳеч нарса йўқлигини, бошқалар билмаса ҳам, сиз биласиз. Энди ўша ёлғон гап-сўзлар билан мени тушовлаб олмоқчимисиз?* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. *Иброҳимбек мийиғида кулумсиради. Кулумсиради-ю, йигитни баҳарҳол тушовлаб олгандек туйди ўзини.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ТУШОВЛИ *с. т.* Тушов солинган, тушовланган. У [*Саман*] *яна устма-уст кишнади. Тушовли бўлса ҳам, анча жойгача сакраб-сакраб борди.* Н. Фозилов, Тушовли той.

ТУШ-ТУШ Ҳар томон, атроф, теварак. *Онги кетиб қолди турган одамлар, Туштушига қоча берди ёронлар.* «Очилдов». *Туштушидан йиғилишиб келайик, Танимасин бизни душман халойиқ.* «Гулихиромон».

ТУШУМ Савдодан ёки умуман ҳар қандай ишдан тушган пул, даромад. *Магазиннинг бир кунлик тушуми.* ▬ *Имоматчиликнинг тушуми ўзингизга маълум бу замонда.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *..у ёғингиздан кириб, бу ёғингиздан чиқиб, кундалик тушумнинг ўндан тўққизини уриб қолмоқда.* Газетадан.

Тушум келишиги *тлш.* «Кимни?» ёки «нимани?» сўроқларига жавоб бўладиган, ҳаракат йўналган объектни билдирадиган келишик тури, шакли. *Китобни олмоқ.*

ТУШУНАРЛИ Тушуниш мумкин бўлган, тушунса бўладиган; аниқ, равшан, англашиларли. *Тушунарли вазифа. Тушунарли қилиб гапирмоқ.* ▬ *Аҳмаджонов мақолани боплаган-да: ҳам тушунарли, ҳам ишонарли.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ТУШУНГАН 1 Тушунмоқ фл. сфдш. *Тушунган бўлсангиз, айтиб беринг.*

2 Воқеликни, ижтимоий ҳаётни, ўз бурчи ва ш.к. ни яхши биладиган, онги баланд, онгли, билимли. *Ўз хотинингизни шундай дегани уялмайсизми.. ким сизни тушунган одам дейди?!* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. *Мунча жеркасиз, улуғ. Албатта сизларнинг.. илмингиз бор, тушунган кишиларсиз.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТУШУНИКСИЗ *кам қўлл.* Тушунилиши, англаш қийин бўлган. *Норхўжа тушуниксиз бир тарзда ғўлдиради.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ТУШУНМОВЧИЛИК Тушуниб етмаганлик ёки тўғри тушунмаганлик туфайли келиб чиқадиган хатолик; англашилмовчилик. *Бу ерда андак тушунмовчилик борга ўхшайди.* ▬ *Жўра дик этиб ўрнидан турди.. Йигиталига яқинлашиб: -Калитни бер, оғайни, энди бир тушунмовчилик қилиб қўйибмиз, юқоридагиларга айтиб юрма, — деб ялинди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Тегишли ташкилотлар, муассасалар редакция сўровларига, хатларга ўз вақтида жавоб йўллаганларида, кўпгина тушунмовчиликларнинг олдини олиш мумкин бўларди.* Газетадан.

ТУШУНМОҚ 1 Бирор гап, иш-ҳаракат, имо-ишора ва ш.к. нинг маъно, мазмунини англамоқ. *Ҳамма гапларингизга тушундим, жуда тўғри.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шерали узоқдан бир ерга тўплаб қўйилган кетмонларни кўргач, гап нимадалигини тушунди.* С. Кароматов, Олтин қум. *-Бу ҳолни қандоқ тушунмоқ керак, — Меъмор шогирдининг кўзларига қаради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ҳақиқий ҳолни англамоқ, билмоқ, унга баҳо бермоқ. *Ўз мавқеини яхши тушунмоқ. Вазиятни тушуниб иш кўрмоқ.* ▬ *Энди, келин, ўзинг тушунасан, юртда очарчилик, ошиҳалолга боқади-да ўғлинг.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Мен сизнинг аҳволингизни тушунаман, — деб гап бошлаган эди, аёл шартта кесди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Нарсаларнинг сифат даражаси ёки белгисини яхши фарқлай олмоқ, ажрата билмоқ, фарқига бормоқ; тилини билмоқ. *Дарҳақиқат, пахтани тушуна оладиган, ерни биладиган тажрибали раиссан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Эртасига от оғриб*

қолса бўладими! Капалагим учиб кетди. Яхшики, мендан бўлак ҳеч ким пайқамади. Хўжайиним отни тариқча тушунмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

Мазасига тушунмоқ Бирор нарсага одатланиб қолмоқ, мазахўрак бўлмоқ. *Сен юборган пулнинг мазасига тушундими, бўлди, ҳафтада, ойда пул сўрайверади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУШУНТИРИШ 1 Тушунтирмоқ фл. ҳар. н. *-Менимча, — деди Мўттихон ўйчанлик билан, — аввал қизга тушунтириш керак.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Бирор гап, ҳужжат ва ш.к. нинг маъносини очиш, ойдинлаштириш учун берилган оғзаки ёки ёзма изоҳ, шарҳ. *Тушунтириш хати. Олий Мажлиснинг фармонлари ва тушунтиришлари.*

ТУШУНТИРМА Тушунтириш хати, тушунтириш; уқтириш. *Эртасига Комилжон, Анорхон ва Эрназар акаларни.. нима учун агротехника қоидаларини бузиб, ўзбошимчалик қилганлиги ҳақида тушунтирма ёзиб беришни сўрадилар.* И. Раҳим, Ихлос.

ТУШУНЧА 1 Нарса ва ҳодисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини, алоқа ва муносабатларини умумлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввур; тафаккур шакли. *Сўз туркумлари ҳақида тушунча. Материя ҳақида тушунча. Қўшимча қиймат тушунчаси.*

2 Умуман, нарсалар, ҳодисалар ҳақидаги тасаввур, тушуниш. *Қишлоққа янги замоннинг янги одамлари келар ва.. янги ном, янги тушунча олиб келадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кейинги кунлар унинг* [*Абдулаҳаднинг*] *ҳаёт ҳақидаги барча тушунчаларини остин-устун қилиб, ўзгартириб юборди.* А. Мухтор, Чинор. *Халқ тушунчасича, ҳажга бориб, «табаррук» бўлиб келган кишининг қўлидан бу хил пасткашликлар келмас, агар келса, у асл ҳожи эмас, ёлғон ҳожи деб қаралар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Онглилик даражаси, онг. *Сиёсий тушунча.* ▬ *Бизнинг мақсадимиз — кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин!* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Инсоннинг билим ва тасаввурлари даражаси; савия. *Тушунчаси паст одам.*

ТУШУНЧАЛИ 1 Бирор тушунчага эга бўлган, биладиган, савияси кенг. *Тушунчали одам.*

2 Онги баланд; онгли. *Тушунчали курашчи.*

ТУШУНЧАСИЗ 1 Бирор тушунчага эга бўлмаган, ҳеч нарса билмайдиган, савияси паст. *Тушунчасиз одам.*

2 Онги йўқ ёки паст; онгсиз.

ТУШЬ [*нем.* Tusche — ранг, бўёқ] Қора ёки бошқа рангда махсус равишда тайёрланган, узоқ вақт рангини йўқотмайдиган суюқ бўёқ (чизмачилик, расм солиш ва муҳим хат-ҳужжатларни ёзиш учун ишлатилади). *Қора тушь. Қизил тушь.* ▬ *Баъзи эстамплар кўпинча у ёки бу йўл билан сиёҳ ёки тушда тасвирланмоқда.* Газетадан. *Шукур Каримович Умид дипломини қўлига олиб, тушь билан ёзилган фамилиясини ўқиди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТУЮЛМОҚ *қ.* **туйилмоқ** II. *Набижонга қизнинг овози шу қадар майин, шу қадар ширали туюлдики, кўнгли унга сенинг излаганинг, ўйлаганинг мана шу қиз, деяётгандай эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Мана шу юпқа лаблардан бир ўпич олиш эришиб бўлмайдиган бахтдек туюларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТУЮР *шв.* Бўлак, бурда. *Кейин гўшт туюрларини юлғун бутоғига ўтказиб, устига токчадан топилган туздан сепиб, ўтга тоблай бошлади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Бир туюр гўшту макарон солиниб қайнатилган шулон шўрва.. жонингизга тегиб кетади.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *Қайсар дегани ўлсин, Бир туюр нон бермади.* «Ойсулув».

ТУЮҚ *ад.* Сўз ўйинига, кўпинча тажнис қофиясига асосланган, тўрт сатрдан иборат шеър; шеърий жанр. *Навоий туюқлари.* ▬ *Туюқларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш амри маҳол.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ТУЮҚСИЗДАН *шв.* Тўсатдан, қўққисдан, бирдан. *Мунисхон тўппонча билан муомала қилишни билмас экан-да, оғзини ўзига қаратиб туриб, туюқсиздан тепкисини босиб юборибди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бирови айтди: Биз туюқсиздан кўчсак, қаерга борамиз?* «Ёдгор».

ТУЯ Бир ёки икки ўркачли, жуфт туёқли, асосан, юк ташиш учун хизмат қиладиган, сувсизликка чидамли сутэмизувчи иш ҳайвони. *Туяларни ҳақли равишда саҳро кемалари деб аташади.* Газетадан. *Баъзи кунлари* [*Йўлчи*] *кўмир саройга тушиб, кў-*

мир, таппи, хашак келтирган қозоқларнинг туяларини харидорнинг уйига етаклайди. Ойбек, Танланган асарлар. *Сувсизликни туя кўтаради..* А. Қаҳҳор, Мастон.

Бақироқ туянинг бори яхши Оила, жамоа кабиларда тергаб, куткилаб йўлга солиб турадиган ота-она, раҳбар, ёши улуғ кишига нисбатан қўлланадиган мақол. *Бақироқ туянинг бори яхши, дейдилар. Ота-она борлигида болалар бир-бирлари билан аҳил бўладилар..* И. Аҳмедов, Оғир операция. **Камбағални туянинг устида ит қопар** Камбағал, ночор шахснинг иши юришмаслиги, ҳар қандай шароитда ҳам унга нимадир панд беришини билдирадиган мақол. *Камбағални туя устида ит қопсин экан-да?!* «Муштум». **Нонини туя қилмоқ** Бировнинг нарсаси, улуши ва ш.к. га шерик бўлмоқ, ундан ўмармоқ. *Ишонамизки.. гўдаклар нонини туя қилиб келаётган Унсин Болтабоевани оғир ташвишдан тез халос этиб, у билан узил-кесил гаплашиб қўядиган марди майдон топилур.* Ш. Тоҳиров, Тешик томоқ. *Қачонгача маҳалла ҳисобига кайфу сафо қилиб, халқ нонини туя қиладилар.* Газетадан. **От билан туя бўлармиди** У қадар катта, кўп эмасликни билдирувчи ибора (сумма, нарса ҳақида). *Жонфиғон мукофотни ўз гази билан ўлчагани учун бунга ҳам унча парво қилмабди — олган мукофотига «от билан туя бўлармиди», дебди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Туя гўшти еган** Бирор иш, нарсанинг битиши, амалга ошиши жуда судралиши, чўзилишини қайд этувчи ибора. *Туя гўшти еган театр.* «Муштум». **Туя кўрдингми — йўқ** *қ.* **кўрмоқ.** *Туя бўлса ҳам, думини кўрсатмай ютиб юбориб, туя кўрдингми — йўқ, деб безрайиб тураверадиганлар чиқиб қолди.* «Муштум». **Туя чўкса, жой топар** Ўтирувчилар тиғиз, зич бўлган ҳолатларда яна бошқа кимса ўтиришни хоҳласа, жой топилишини, сиғишини қайд этувчи ибора. *Эшикдан бирин-кетин одамлар кирар.. сўнгра «туя чўкса, жой топар» қилиб, у ер—бу ерга сиқилиб ўтирардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Туя ҳаммомни ҳавас қилгандай** Ўзига хос ва мос бўлмайдиган, ярашмайдиган уриниш, интилиш, орзу қилиш ҳолатига нисбатан қўлланадиган ибора. *Туя ҳаммомни ҳавас қилгандай, сенга ким қўйибди бундай ишларни.* ▬ *Раислигинг ўзингга буюрсин. Мен туя эмасманки, ҳаммомни орзу қилсам.* Т. Малик, Ажаб дунё. **Туяни ютиб, думини кўрсатмайди** Ҳар қандай катта (кўп) нарсани ҳам ўзлаштириб, ундан нишон, из қолдирмасликни билдирувчи ибора. *Ҳозир у томоғининг қуртини ўлдириш учун туя бўлса ҳам, думини кўрсатмай ютиб юборишдан тоймайди.* «Муштум». *Туяни ют, лекин думи оғзингдан кўриниб турмасин.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Туянинг думи ерга текканда** (*ёки* **етганда**) Рўёбга чиқмайдиган, амалга ошмайдиган иш, қуруқ ваъда эканликни билдирувчи ибора. *Ҳасан сўфи: -Сув чиқадию, лекигин бойга яраша чиқади. Бу сувдан бизга туянинг думи ерга етганида тегади, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ҳайт деган туяга мадор** Кичиккина ҳисса, ҳатто бир оғиз сўз ҳам ёрдам бўлишини қайд этувчи мақол. *Иш сенсиз тўхтаб қолмайди, аммо ҳайт деган туяга мадор, — деди..* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

ТУЯДАЙ, -дек 1 Туя сингари, туяга ўхшаш. *Ўзинг-чи? Гулзорга бўйин чўзган туядай, ҳар аёлга суқланасан!* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кўндаланг культивация ҳозир сув билан ҳаводай зарур. Шу бўлмаса, қалин кўчатларни гармсел уради, туллаган туядек яйдоқ бўлиб қолади.* И. Раҳим, Ихлос.

2 *кўчма* Катта, улкан. *Менинг гуноҳим игнанинг учидай бўлса, сизларнинг айбингиз туядай.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қўрққан олдин мушт кўтарар қабилиданми.. ҳар қалай, оғзидан туядай-туядай гаплар чиқиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ТУЯКАШ Ўз туясида киракашлик қилувчи ёки кимсанинг туясини ҳайдовчи киши. *Туякашлар катта қоплардаги ғаллани елкаларига чапдастлик билан олиб, бизнинг омборга бўшатавердилар.* Ойбек, Болалик. [*Миркарим*] *Уч ой юргач, яна туз ташувчи туякаш карвонлар билан киши билмас бўлиб Тошкентга келиб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУЯКАШЛИК Туякаш иши, касби. *Туякашлик қилмоқ.*

ТУЯМОҚ *кам қўлл.* Юкламоқ, ортмоқ. *Том бошини шуваганда кўрганим бор, Қопга ўтин туяганда кўрганим бор.* А. Мухтор.

ТУЯПАЙПОҚ Чўл ва адирларда ўсадиган паст бўйли сершох бута. *Кўм-кўк япалоқ баргларидан тортиб кувача нусха ғунчаларигача тиканак.. қўнғир туяпаймоқ.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

ТУЯСАНДИҚ Катта сандиқ. *Калитини Ҳожи бобо белбоғидаги ҳужранинг калити,*

дарвозанинг калити, уйнинг калити, туя-сандиқнинг калити.. ва бошқа калитларга қўшиб қўйди. F. Fулом, Шум бола.

ТУЯТИШ *бот.* **1** Дони йирик, йирик донли (анор, буғдой ҳақида). *Патнисдаги новвотранг ҳусайни, оқ, қизил олмалар.. чўл шамолида тарс-тарс ёрилган туятиш анорлар чироқ шуъласида анвойи товланарди.* Ҳ. Fулом, Сенга интиламан.

2 Хўраки, майизбоп, ғужуми йирик, думалоқ, сарғиш-яшил узум нави.

ТУЯТОВОН Қумликларда ўсадиган, ўт, бута, чала бута кўринишидаги кўп йиллик ўсимлик тури. *Қовжираган туятовоннинг нимтатир ҳиди шошқалоқ кузнинг омонатлигини эслатади.. ёвшанлар, шувоқлар, тиканлар ва туятовондек қумга хос ўсимликлар бу саҳронинг табиий кўринишларидан бирини ташкил қиларди.* С. Айний, Қуллар.

ТУЯЧИ 1 *айн.* **туякаш.** *-Кеч билан бозорни олиб, сомон сотиб қайтган туячининг туясига иккита-иккита мингашиб, Эшонбозорга қараб йўл солдик, — деди Шум бола.* F. Fулом, Шум бола.

2 Туячилик билан шуғулланувчи киши, туячилик мутахассиси.

ТУЯЧИЛИК 1 Туячи иши, касби; туякашлик.

2 Чорвачиликнинг туя боқиш, уларни кўпайтириш, шу асосда чорва маҳсулотлари етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси. *Туячилик фермаси.* ▬ *Устюрт қоракўлчилик ва туячилик янада тараққий этадиган ҳудуд ҳисобланади.* Газетадан.

ТУЯҚУШ Уча олмайдиган, аммо жуда тез югурадиган, иссиқ мамлакатларда (асосан Африкада) яшовчи йирик қуш.

ТУҚ *тақл. с.* Қаттиқ нарсаларнинг урилишидан ҳосил бўладиган бўғиқ товушни билдиради.

ТУҚҚАН 1 Туғмоқ фл. сфдш. *Беш бола туққан хотин.* ▬ *Онангиз сизни нима учун туққан?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Туғишган қариндош, тувғон. *Ёт егунча, туққан ўлгунча.* Мақол. *Туққан-туққан топишар, ётга бало ёпишар.* Мақол. ▬ *-Зулм? — бой елкасини қисди ва қутуриб бақирди, — сан нонкўрсан, ман сани туққаним, жигарим, дедим. Овқат бердим, кийим бердим, бу — зулм эмиш.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУF 1 Мусулмонларнинг ёғоч дастага ўрнатилган қўтос, ҳўкиз ёки от думидан ва ярим ой тасвиридан иборат байроқсимон белгиси (қадимдан Шарқ мамлакатларида ҳукмдорлик, беклик ва ш.к. белгиси ҳисобланган). *У кўчанинг нариёғидаги бир авлиёнинг соғонаси устига ўрнатилган туғни кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *эск.* Байроқ, алам. *Ё бирор жаҳонгир, юрт таловчининг Унутиб қолдирган мудҳиш туғидир.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ТУFА *қ.* **тўқа**. *Бисмилло, деб тортти ўйрот белига, Ярашиққа тилла туға, айилни.* «Гулихиромон».

ТУFАЛОҚ Кўп бола туғадиган, болалайдиган. *Туғалоқ мол.* ▬ *Ёмғир ёғалоқ, эчки туғалоқ..* «Қўшиқлар».

ТУFАСИ *кам қўлл. айн.* **туғма 1.** *Туғаси соқов.* ▬ *Қозоқ билан қадимдан қондош, Туркман билан туғаси жондош.* Миртемир.

ТУFДИРМОҚ 1 Туғмоқ фл. орт. н. *Бир томонда хотин-қизлар.. қўй соғмоқда,.. иккинчи томонда эркаклар: қуллар, қарол ва чўпонлар қўй туғдирмоқда.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Юзага келтирмоқ, пайдо этмоқ, яратмоқ. *Ишонч туғдирмоқ. Хавф туғдирмоқ. Имконият туғдирмоқ. Фикр туғдирмоқ. Иш учун шароит туғдириб бермоқ.* ▬ *Бу шоду хуррамликни туғдирган яна ўша сув эди. Сув, албатта, сув!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУFДОР 1 *дин.* Туғи бўлган, туғ ўрнатилган. *Туғдор мозор.*

2 *эск.* Байроқ кўтарган киши; байроқдор. *Олдингда отланар туғдору сардор, Ёлғиз юриб сарсон бўлмоқ не даркор.* «Муродхон».

3 *эск.* Аскарий қисм, давлат ва ш.к. нинг байроғини сақловчи лавозимли киши; байроқдор. *Амалдорлар барин чақириб олади, Туғдорларман кўп маслаҳат қилади.* «Алпомиш».

ТУFДОҚ *шв.* Тувдоқ, тувалоқ.

ТУFЁН 1 Тошқин, сув тошқини.

2 *кўчма* Кучли ички туйғу-кечинмалар тўлқини; зўр ғалаён, ғулғула. *Шодлик туғёни. Туғён қилмоқ (урмоқ).* ▬ *Раъно чуқур ўйлаб қолди. Ҳафиза юрагида қайнаётган ҳислар туғёнини шундоқ юзидан сезиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Чағалайдай чарх уради Бетинч ўйларим, Туғён ичра жим кезаман Денгиз бўйларин.* Э. Воҳидов. *Дилда ёшлик ҳисси туғён қилади Ўриклар кўпириб гуллаган дамда.* Уйғун. *Эҳтирос туғён урган-*

да, ақл чироғи хиралашади. Т. Жалолов, Олтин қафас.

3 *кўчма* Ғалаён, исён. *Нур ва маърифат сари талпинганлар, ҳақсизликка қарши туғён кўтарганлар амир зиндонининг абадий маҳбуслари бўлган.* Газетадан.

ТУҒИЛМОҚ 1 Туғмоқ фл. ўзл. н. *Чала туғилган бола. Бир онадан туғилган ака-ука. Ишчи оиласида туғилган киши.* ▬ *Бир онадан алвон хил бола туғилади деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Биз теги олтинсойлик бўламиз. Мен ҳам шу ерда туғилганман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 *кўчма* Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ. *Бизда бир фикр туғилди. Унда нотўғри таассурот туғилибди.* ▬ *Журналнинг номи «Маориф ва ўқитувчи» эди. Адолатнинг кўнглида уни ўқишга иштиёқ туғилди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Муттасил олиб борилган изланиш ва тадқиқотлар натижасида гриппни қўзғатувчи омилларни аниқлаш имконияти туғилди.* «Фан ва турмуш».

ТУҒИШГАН 1 Туғишмоқ фл. сфдш.

2 Бир ота-онадан туғилган. *Туғишган опа-сингиллар. Туғишган ака-ука. Чин дўст туғишганинг билан тенг.* Мақол. ▬ *Бу уйда Гулнор опам учун сочим оқаргунча хизмат қилишни истар эдим. У мени туғишган опамдан афзал севади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Яқин қариндош. *Сизлар менга туғишганларимдан ҳам азиз бўлиб қолдингиз!* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Колхозчиларнинг каттасию кичиги, эркагию аёли унга туғишгандай яқин эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТУҒЛИ Туғи бор, туғ ўрнатилган; туғ кўтарган. *Қанчаси пиёда, ботирлар отли, Нечови кўтарган туғли байроқни.* «Баҳром ва Гуландом».

ТУҒМА 1 Кишида туғилишданоқ пайдо бўлган, аслида бор бўлган. *Туғма соқов. Туғма оқсоқ. Туғма касалликлар.*

2 Табиий ҳолда мавжуд бўлган. *Туғма минераллар. Туғма элементлар.*

3 Туғилишдан бирор иш-фаолият учун яратилган, шундай хусусиятга эга бўлган. *У республикада хизмат кўрсатган, атоқли ўқитувчи, болалар руҳини яхши биладиган туғма педагог.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

Онадан туғма Онадан янги туғилган(дай). *Бу ўзгаришдан кейин онадан туғма бўлиб енгил тортди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаммом ўзи шунақа жой, ҳаммани онадан туғма қилиб қўяди.* С. Аҳмад.

ТУҒМОҚ 1 Бўйида, қорнида бўлган болани, ой-куни етгач, дунёга келтирмоқ. *Уст-устига эгизак туғмоқ. Хотини ўн йил мобайнида икки қиз, бир ўғил туғди.* ▬ *Ғанижоннинг хотини туғмай юриб-юриб, бирданига қўчқордай ўғил туғиб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Гулсумбиби қизини нари итарди.. пешонасига уриб йиғлади: -Кошки ўлсам! Кошки ажал кела қолса!.. Куйдирдинг, нега туғдим сени?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Болаламоқ (ҳайвонлар ҳақида). *Сигир иккита туғибди. Қўй туғибди.* ▬ *Оқпошшонинг овчи итларидан яна биттаси туғибди — суюнчи йиғилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *шв.* Тухум қилмоқ. *Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йўқ — мояк қўйсанг, туғади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

4 *кўчма с. т.* Фойда келтирмоқ; кўпаймоқ. *Вой нодон одамлар!.. Билишмайдики, пул болалаб туради, индамасдан туғади, чақалоқлари инғаламайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Иккитани (*ёки* **тўрттани) туғмоқ** *с. т.* Кимсани кутиб, ортиқ хавотир бўлмоқ. *Сен келгунча, тўрттани туғдим.* **Кун(и) туғди** Кимсанинг кўнглидаги ишини, хоҳлаганини қилиши мумкин бўлган кун, пайт, шароит келди. *Қор ёғиб, чанғичиларнинг куни туғди.* ▬ *Ёз ҳам ўтди, куз ҳам келди, қишлоқ чорбозорчиларининг куни туғди.* С. Абдулла, Мавлавий Мирсидиқнинг ижодлари. **Ой туғди** 1) янги ой бошланди. *Ой туғиб, мўлжал яқин етди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) янги ой кўринди. *Қибла бетдан бир ой туғиб келади, Ойнинг гирдин тўртта юлдуз олади.* «Алпомиш».

ТУҒРО *эск. кт.* **1** Китоб ёки унинг фасллари бош саҳифасида, сатр бошида икки-уч ҳарф қўшилмаси тарзидаги безакли ёзув.

2 *тар.* Подшоҳларнинг ёрлиқ, фармон ва ш.к. ҳужжатлар тепасига қўйиладиган, уларнинг унвон ва амалларини кўрсатадиган безакли ҳарфлардан иборат белгиси.

3 *айн.* **герб.** *Халқимиз катта даврада пахта байрамини бошлаган куни республикамизнинг туғросида яшнаб турган шу чаноқни бошимиз узра баланд кўтариб, жаҳонга кўз-кўз қиламиз.* Ҳ. Нуъмон, Чаноқ.

Юртнинг байроғи, унинг туғроси қанчалар эзгу ҳурматга сазовор бўлса, унинг мадҳияси ҳам шунчалар жарангдор. Газетадан.

ТУҒУРУҚ 1 Ҳомиладорликни якунлайдиган мураккаб физиологик жараён; аёлнинг фарзанд кўриши, туғиш.

2 *этн.* Фарзанд кўриш муносабати билан ўтказиладиган маросим; бешик тўйи. *Энди у.. сават-сават кулчалар, баркашларда ошлар, совға-салом билан, бутун қоидага мувофиқ, тўйларга, азаларга, туғуруқларга бориб келади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУҒУРУҚХОНА Ой-куни яқинлашган оналарни қабул қилиб, уларга туғиш пайтида ва ундан кейинги бир неча кун давомида тиббий ёрдам кўрсатадиган махсус тиббиёт муассасаси. *Туғуруқхона остонасини ҳатлаб ўтган мўътабар аёл ўз тақдиридан кўра кўпроқ бўлажак фарзанд иштиёқи билан ўртаниб ёнади.* Газетадан.

ТУҲМАТ [*а.* تهمت – айблаш, айблов] **1** Бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво; бўҳтон. *Туҳмат қилмоқ. Туҳмат ёғдирмоқ. Туҳмат тош ёради, Тош ёрмаса, бош ёради.* Мақол. ▬ *-Нега эрингга хат ёзмайсан? -Вой бундан бўлак ҳам туҳмат борми? Нега хат ёзмас эканман.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Уйинг куйгурда икки ой қадар ишладим. Кейин ҳайдади. Бошимга қанча туҳматлар ортди яна.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с. т.* Ортиқча ташвиш, дардисар. *Шошиб турганимда, сен ҳам туҳмат бўлдинг менга.*

Хизматга туҳмат *с. т.* Кимсага хизмат, яхшилик қилиб, охири айбдор бўлиб қолиш ёки ўзига ташвиш, дардисар орттириш; яхшиликка ёмонлик. [*Меҳри:*] *Даданг шу тўнғиз кўпкурнинг заводида қанча йил тер тўкди. Бой, хизматга туҳмат қилиб, дадангни уч ой қаматтирди.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. **Қуруқ туҳмат** 1) ошкоройдин туҳмат. *-Тўғрисини айтсам, сиз бу тўғрида бир нарса биласиз, лекин сўзлашга Шокирбекдан чўчиб турасиз! – деди уста. -Қуруқ туҳматни қўйинг-чи! – деди уста Фарфи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *с. т.* ортиқча ташвиш, ғалва, дардисар. *Э, худойим-ей, қанақа қуруқ туҳматга қолдим-а!* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТУҲМАТЧИ Туҳмат қилувчи, бировлар устидан туҳмат гаплар айтиб, ёзиб, тарқатиб юрувчи; бўҳтончи. *Туҳматчи одам.* ▬ [*Комилов:*] *Танқид қилганларни туҳматчи, амалпараст, деб айблагансиз ва шу билан гуноҳингизга гуноҳ қўшгансиз.* Уйғун, Навбаҳор.

ТУҲМАТЧИЛИК Туҳматчига хос иш, хатти-ҳаракат. *Фоҳишалигингни билардим-у, туҳматчилигингни билмасдим. Ҳай, майли, агар эркак киши бўлганингда, ичак-човоғингни салла қилиб қўярдим.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТУҲФА [*а.* تحفه – совға, тортиқ] **1** *кт.* Кимсанинг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун берилган нарса; тортиқ, совға. *Қимматбаҳо туҳфа. Туҳфа олиб бормоқ.* ▬ [*Соҳибдоро:*] *Қилиб оламшумул санъатни бунёд, Кетирмиш сизга туҳфа уста Беҳзод.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ҳусайн Бойқаро шу шаҳарни* [*Астрободни*].. *кичик ўғли Музаффарга туҳфа қилди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 *кўчма* Кўпчилик учун атаб тайёрланган нарса; совға. *Мақомларнинг грампластинкага ёзиб олинаётгани санъаткорларимизнинг халққа ажойиб туҳфасидир.* Газетадан.

3 Туҳфа (хотин-қизлар исми).

ТЮЛЕНЬ [*р.*] Куракоёқли сутэмизувчи денгиз ҳайвони.

ТЮЛЬ [*фр.* tulle < Tulle – Франциянинг Коррез департаментидаги жой номи] Кўпинча гулдор қилиб тўқиладиган енгил нафис тўр. *Ойна парда учун боп тюль. Тюль парда.* ▬ *..мана шу тюль, – деб у деразаларга тутилган нафис гулли оппоқ тўрни кўрсатди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТЯГАЧ [*р.* тягать – «тортмоқ, судрамоқ» фл. дан ясалган от] Шатакка олинувчи ёки тиркама машиналарни тортиш учун белгиланган қувватли автомобиль ёки трактор. *Нормат нима қилишини билмай, атрофига қаради-да, беш метрча нарироқда турган тягач тагига эмаклади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЎБИЧОҚ *шв.* Чопқир, йўрға (от ҳақида). *Тўбичоқ от.* ▬ *Майдонда минардим бу тўбичоқни, Хафа қилма, ойим, бу қўччоқни* [*қўзичоқни*]. «Алпомиш». *Мулла Фазлиддин эрталаб, подшоҳ инъом қилган тўбичоқ отни минди-да, шаҳар доруғаси қабул қиладиган маҳкамага йўл олди.* П. Қодиров, Бобур.

ТЎГАРАК 1 Айлана, доира шаклидаги, доиравий. *Тўгарак стол. Тўгарак ойна.* ▬ *Умида докладчилардан бири бўлгани учун президиумда ўтирарди. У ерга тўгарак зални кесиб ўтиб, зинадан чиқиб бориш керак.* А. Мухтор, Чинор. *Шийпоннинг устунлари саккиз қиррали бўлиб, остки қисми ҳандалак шаклида тўгарак қилиб тарашланган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *от* Кишиларнинг биргаликда ишлаш, машғулотлар ўтказиш, машқ қилиш, билим-ҳунар олиш ва ш.к. умумий мақсадлар билан тузилган гуруҳи ва шундай бирлашманинг, уюшманинг ўзи. *Мусиқа тўгараги. Ёш табиатшунослар тўгараги. Тўгарак тузмоқ. Тўгаракка қатнашмоқ.* ▬ *Иброҳимов ўзининг ҳар пайшанба бўладиган агрономия тўгарагини шу ерга кўчирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Жўрахон раҳбарлигида ҳаваскорлик тўгараклари, спорт ишлари жонланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ТЎДА [*ф.* توده – дўнг қилиб тўпланган нарса, ғарам] **1** Бир ерга тўплаб ёки уйиб қўйилган нарса; уюм, тўп, тўплам. *Ахлат тўдаси. Бир тўда парча-парча ғишт. Нарсаларни тўда қилиб қўймоқ.* ▬ *Кейин уни суғуриб олди-да, бир тўда қоғозни олдимга ташлади.* «Гулдаста».

2 Бир ерга тўпланган кишилар ёки ҳайвон, қуш ва ш. к. гуруҳи, галаси, тўпи. *Улоқчилар тўдаси. Қушлар тўдаси. Тўда бўлиб юрмоқ. Тўдадан ажралган тўрга тушар.* Мақол. ▬ *Арилар тўдаси ўзини қоп ичига урди. Бу болаларга чиндан қизиқ томоша бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Аваз тор ҳовлига мўралаб қўйиб, эшик олдида қўл қовуштириб турган кишилар тўдасига қўшилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор мақсад билан уюшган кишилар гуруҳи. *Назирқул Холхўжа йигитларидан хабардор эди. У эшоннинг гапидан, шулар тўдасига бор, деган маъно англади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Тошкентдаги Юсуфбек ҳожи тўдасидан амалий чоралар кўрсатилиб ёзилган жавоб мактуби олинди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизнинг ҳозир ўз тўдамиз бор. Агар истасанг.. сени ҳам сардоримиз ҳузурига олиб бораман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТЎДАКАШ Тўдадан чаққонлик билан айрилиб, тез ўзадиган абжир, кучли улоқчи от.

ТЎДАЛАМОҚ Бир ерга тўплаб, йиғиб, уйиб қўймоқ, тўпламоқ. *Ғишт парчаларини тўдаламоқ. Ахлатни тўдалаб қўймоқ.* ▬ *Тоғда очилган лола, териб тўдалай дейман. Яшнаб ётган ғўзамни кунда бир кўрай дейман.* «Қўшиқлар».

ТЎДАЛАШМОҚ 1 Тўдаламоқ фл. бирг. н. *Болалар хашак тўдалашяпти.*

2 Бир ерга тўпланмоқ. *Элмурод.. ўрнидан аранг турди-да, комиссия эшиги олдида тўдалашган дўстлари ёнига борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЎДАЛОҒЛИҚ Тўдалаб, тўплаб қўйилган, тўплоғлиқ. *Олия опа қўлидаги ғиштни тўдалоғлиқ бутун ғиштлар ёнига қўйди-да, челакдаги тупроқни тўккани чуқур томон юрди.* Газетадан.

ТЎЁНА 1 *этн.* Тўй муносабати билан шу тўй эгаларига яқинлари томонидан қилинган (қилинадиган) пул ёки кийим-бош тарзидаги совға. *Қани, айтинглар-чи, тўёнага нима олиб борай?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Тўйга тўёна билан бориш – халқимизнинг азалий одати.* Газетадан.

2 *кўчма* Ишчи ва меҳнаткашларнинг муҳим бир воқеа-ҳодиса, байрам ва ш.к. га аталган меҳнат совғаси. *Тўйга тўёна керак, мўл ҳосил тўёнамиз.* Р. Бобожон.

ТЎЗ *эск.* Чанг, ғубор. *Ариқлар қақраган, дарахт япроқлари тўз, осмон – чанг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отинг изи тўзлари кўзимга сурмадирким..* «Оқ олма, қизил олма».

ТЎЗИМ Кишининг қийинчилик, кулфат, оғриқ ва ш.к. га чидаш қобилияти; чидам, бардош. *Тўзим билан ўқимоқ.* ▬ *Қайси бир садаф сийна Тўзим-ла санчиб игна, Инжуларин бирма-бир Шу шоҳига қадаган?* Ғ. Ғулом. *Салимнинг кутгани чиқмади, қўрғонда аввалгидай тинчлик, жимжитлик. Бу ҳол уни яна эзди. Охирига қадар кутишга куч ва тўзим сезмади ўзида.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тўзим берсин 1) чидам, бардош берсин (тилакни билдиради). *-Сиз ҳали шу ерда бир-икки кун бўларсиз. Тўзим берсин, – деди.* А. Мухтор, Чинор; 2) қойил қолиб тан олишни билдиради; баракалла, балли-е. *Қаранг, бир соатга бардош бермабсиз. Янаям оналаримизга тўзим берсин.* «Муштум». *Чол тўнғиллаб: -Қўй-е, ҳамма сенга ўхшаганлар ёрилиб ўлаверса, лапанглаб юрадиган семиз-*

ларга тўзим берсин-е, — деб ҳазиллашиб қўярди. Д. Нурий, Осмон устуни. **Тўзим билмас** (*ёки* **билмайди**) Тўзиб тарқамас, тўзиб, йўқ бўлиб кетмайди. *Сен-чи мангу чиқаверасан, Тўзим билмас сендаги бардош.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Сизнинг бу яратган мўъжиза санъат Юз йил тўзим билмай турмоқлиги рост.* А. Орипов, Йиллар армони.

ТЎЗИМЛИ Чидам-бардоши кучли. *Тўзимли йигит* ▬ *Тоғлар соясида қумурсқасимон, Довул қанотида учган хас каби Бўлса ҳамки, аммо тўзимли инсон, Ҳамма даҳшатлардан зўрроқдир қалби.* С. Акбарий. *Сипобек ота деган бир чол мени ҳайратда қолдирди... ҳеч қандай пардозсиз, адабиётга шундай кирса бўладиган бақувват образ.. турмушнинг ўзидай кекса, тўзимли.* Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

ТЎЗИМЛИЛИК Сабр-бардошлилик, чидамлилик. *Инсоннинг тўзимлилиги. Тўзимлилик кўрсатмоқ.* ▬ *Унинг* [*Қосимовнинг*] *қиёфаси ва юриш-туришига саҳро сокинлиги, жонли барханларнинг сезилар-сезилмас силжиши, теран қатламлардан нам юқи топиб аста сўрадиган чайир саксовул томирларининг тўзимлилиги асар қилганга ўхшарди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТЎЗИМОҚ *айн.* **тўзмоқ.** *Эшик очилиб, шамолда қоғозлар патдай тўзиди. Кенгашли уй тўзимас.* Мақол. ▬ *Уларнинг юз-кўзлари чанг, ранглари заҳил, сочлари тўзиган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Йўлдошбой уч-тўрт ҳафтадан бери ички кийимини ечмаган, кўйлаги терда қотиб кетган, тўни билан этиги тўзиб қолган эди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Бу хабар бирпасда бутун арши аълога тарқалди. Фариштолар, уяси бузилган аридай, тўзиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЎЗИМСИЗ Тўзими-бардоши йўқ; чидамсиз, бардошсиз. *Тўзимсиз одам.*

ТЎЗИМСИЗЛАНМОҚ *кам қўлл.* Сабртоқати чидамаслик; тоқатсизланмоқ. *..сиздек оғайниларга кўмаклашмасам бўладими! — деди ҳалиги йигит ва тўзимсизланди: -Қани, илдамроқ юринглар!* А. Қодирий, Улоқда.

ТЎЗИМСИЗЛИК Тўзимсиз ҳолат, хусусият. *Тўзимсизлик қилмоқ. Тўзимсизлик кўрсатмоқ. Тўзимсизлик билан кутмоқ.* ▬ *Бу гал* [*ҳожи*] *Ўзбек ойимнинг ўша эски ашуласини ортиқча бир тўзимсизлик орасида кутар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎЗИҚ Ҳар ён сочилган, тўзиган ҳолатли, ҳолдаги. *Тўзиқ хас-хушларни супуриб, бир ерга тўпламоқ.* ▬ *Бари бир, раҳбар оғизга яқин бўлади. Қанча камтар бўлсанг ҳам, кўпнинг огзида бўласан. Катта бўлдингми, тупроғинг тўзиқ бўлади, азизим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 *кўчма* Сочиқ, сочилган, бўлинган; паришон. *Унинг хаёли тўзиқ.*

3 Бетартиб ёйилган, тўзиган, тўзғоқ, пахмоқ. *Қиз тол тагидан чиқиб югурганча, ўзини сувга отди. Низомжон унинг орқасидан оппоқ болдирларини савалаган тўзиқ сочларини кўриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Эскирган, титилиб кетган. *Ҳужранинг бурчагида Шоқосимнинг увада чопони, тўзиқ кўрпа-ёстиғи уйилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулнор кўча эшигидан ҳовлисига кираркан.. шипи, деворлари тўзиқ айвонга паранжисини отди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЗМОҚ 1 Тўзондек ҳар ён сочилмоқ, учмоқ, тўзғимоқ. *Пар тўзиб кетди.* ▬ *Жимжимадор япроқларинг Сарғайиб банд узмоқда. Беватандай шамол билан Ерда изғиб тўзмоқда.* Т. Тўла.

2 *кўчма* Ҳар ёнга тарқалмоқ, тарқалиб, сочилиб кетмоқ, пароканда бўлмоқ. *Қўйлар бўри теккандай тўзди.* ▬ *Шеър анжумани тўзди, уят сўз аралашди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 *кўчма* Тарқамоқ; тарқаб, бўлиниб йўқ бўлмоқ. *Умр ўзади, ҳусн тўзади.* Мақол. ▬ *Гавҳар хаёллари тўзиб, Талъатга ўгирилиб қаради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Наҳот шундай осон бўлса бу дунёнинг тўзмоғи.* Т. Тўла.

4 Бетартиб ёйилмоқ, тўзғимоқ, пахмаймоқ. *Силлиқ қилиб таралган, кўп диққат ва меҳнат сарф қилиниб ўрилган сочлар тўзган, сочилган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

5 Эскириб, титилиб ишдан чиқмоқ. *Кенгаш қилган эл озмас, Кенг бичилган тўн тўзмас.* Мақол. ▬ *Менга овқат беради, кийимим жуда тўзса, кийим қилиб беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 *кўчма кам қўлл.* Ўзини олдирмоқ, хазон бўлмоқ, сўлмоқ. *Хўжайин айтганча, «узилмаган гул» бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу*

чиркин бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади. Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЗОН 1 Ҳавога кўтарилган (тўзган) хас-хуш ва б. майда нарсалар аралаш чанг. *Дарё қуриса ҳам, ўзани қолар, Бўрон босилса ҳам, тўзони қолар.* С. Акбарий. *Машиналар кетидан кўтарилган тўзон кун тиғида, осмонда бир зум кезиб, кейин пахтазорга ёпирилади.* А. Муҳиддин, Теримчилар.

2 Нарса бетига, сатҳига қўнган, инган шундай нарса; гард-ғубор, чанг. *Николин унинг тўзон босган елкасига оғаларча қўлини қўйиб: -Раҳмат, Бектемир, — депти.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўчоқ бошида қумғон шарақлаб қайнаб, чўғ устига тўкилди, буғ ва кул тўзони кўтарилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тегирмон йўлаги ун тўзони ичига кўмилиб, кеч кузнинг қуюқ туманли ҳавоси манзарасини беради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Тўзон бўлмоқ Вайрон-толқон бўлмоқ, чанг-тўзонга айланмоқ. *Тонг отганда, дунё тўзон бўлади, Ҳар тарафдан девлар ошиб келади.* «Ширин билан Шакар». **Тўзон қилмоқ** Вайрон-толқон қилмоқ, чанг-тўзонга айлантирмоқ. *Келса, мамлакатни тўзон қилади, Ишқириб дамига тортиб олади.* «Рустамхон».

ТЎЗОНЛИ Тўзон қоплаган, тўзон кўтарилган. *Тўзонли бўрон.* ▬ *Интилади тўзонли йўлга — Юраётган сафларга қараб.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Най навоси дам барглар-да ўйнаган баҳор ели, дам узоқдан момақалдироқ нафаси каби, тўзонли шом ҳавосини лим-лим тўйдирган..* А. Мухтор, Чинор.

ТЎЗҒИМОҚ *айн.* **тўзмоқ 1, 2, 4, 5.** *Хазон тўзғиб кетди.* ▬ *Чорак соатдан кейин шовқин кўтарилиб, маслаҳат мажлиси тўзғиб кетди.* А. Мухтор, Чинор. *Низомжон унинг* [*Дилдорнинг*] *тўзғиган қоп-қора сочларини, мармардек оппоқ билакларини хаёлдан кеткизолмасди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қиш-ёз оёғида оғир сағри кафш. Махси ҳам минг ямоқ, бошида кир, тўзғиган салла.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЗҒИН 1 *айн.* **тўзиқ.** *Искандаро асабий ва тўзғин хаёллар қучоғида сукут этар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма* Озиб-тўзган, ўзини олдирган, озғин. *Қўш қулоғидаги жулдур иштонли қаролнинг қовурғалари ҳам ҳўкизники сингари уриб чиққан, у ҳам озғин-тўзгин эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЎЗҒОҚ I Тўзғиган, тўзиқ, тўзғин. *Зарралар тўзғоқ ҳолда бўлса, қуруқ тупроқ дейилади.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар. *Унинг тўзғоқ сочлари, оппоқ бадани.. очилиб-сочилиб туради.* У. Исмоилов, Сайланма.

ТЎЗҒОҚ II Лух, қамиш ва ш.к. ўсимликларнинг тўзғувчан парсимон попуги, ҳосили. *Қоқи ўт тўзғоғи.* ▬ *Қайси бир узун-қулоқ орқали бу гап қамиш тўзғоғидай таралиб кетди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТЎЙ 1 *этн.* Уйланиш, турмушга чиқиш, хатна қилиш ва б. муносабатлар билан зиёфат бериб, базм-томошалар билан ўтказиладиган халқ маросимларининг умумий номи. *Никоҳ тўйи. Ўғил (хатна, суннат) тўйи. Бешик тўйи. Тўй қилмоқ. Маърака — мардники, тўй — халқники.* Мақол. *Мақтанганнинг уйига бор, Керилганнинг тўйига бор.* Мақол. ▬ *Ҳомидвой бўлса, бугун унашсаларинг, эртага тўйни бошлаймиз, дейди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кечаги дам олиш куни Рашиднинг тўйи бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [*Роҳила:*] *Ҳа! Кўзим очиқлигида қизимнинг тўйини кўрай, деб ўзимни ўйлабман-у, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйламабман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Қўқонликлар таомилида никоҳ тўйи келинникида ўтади.* К. Яшин, Ҳамза. *Матёқуб қаллиғи* [*таътилда*] *келиши биланоқ тўйни бошламоқчи.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *этн.* Қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ, куёв томондан қиз томонга бериладиган пул, сарпо, масаллиқ ва ш. к. мажмуи. *Тўй учун куёв томонидан ўн беш арава юк юборилган. Ҳар бир аравада бошқа-бошқа моллар ва буюмлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мирзакаримбой қичқирди: -Мулла Абдишукур, эртага ожизамизга тўй келади, марҳамат қилинг, дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *этн.* Шу нарсалар юборилиши муносабати билан куёв хонадонида, келиши муносабати билан қиз хонадонида ўтказиладиган маросим. *Якшанба куни ҳам тўй, ҳам никоҳ.* ▬ [*Кутидорнинг*] *Битта жувон қизи бор-ку, мунча тўйни бошқа, никоҳни бошқа қиламиз, деганига ҳайронман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тўй бермоқ 1) қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланган пул, сарпо, масаллиқ ва б. ни келин томонга юбормоқ; 2) юртга ош, зиёфат бермоқ. *Қирқ кеча-кундуз элга тўй бериб, қирқ кундан сўнг тўйи охир бўлганди.* «Ширин билан Шакар».

4 Бирор воқеа-ҳодисага бағишлаб зиёфат ва ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган тантаналар. *Ҳовли тўйи. Ҳосил тўйи.* ▬ *Бугун мактаб ўзининг биринчи катта тўйига, тўнғич ўғилларини мамлакатга тақдим қилиш тантанасига тайёрланаётир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Водокачканинг очилиш маросими катта тўйга, каттакон сайилга айланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Кўпга келган тўй Кўпчиликнинг бошига тушган иш, ташвиш ва ш. к. ҳақида айтиладиган ибора. -*Ота, — деди Салим жеркиб, — бу нарса кўпга келган тўй, ўғлингиз ниҳояти бир неча ой ишлаб қайтади. Нимасига қайғурасиз? Узоқ юртларни кўриб келади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тўйдан кейин ноғора** *қ.* **ноғора. Уй-уйига — така** (*ёки* **тепа**) **тўйига** Одатда, болалар кечки пайт ўйиндан чарчаб тарқалаётганда айтиладиган ибора. *Начальник [бошлиқ] ётиб қолди, энди уй-уйига — така тўйига.* А. Мухтор, Опасингиллар.

ТЎЙБОШИ Тўйга бошчилик қилувчи шахс. *Қишлоқда тўй бўлса, у* [*Тўламат*], *албатта, тўйбоши, йигитлар тўпига қўшилса — жўрабоши.* С. Анорбоев, Оқсой. *У тўйбошиларга олдиндан уқтириб қўйган эди: -Тартиб бузилмасин, ҳар тоифани ўз вақтида, ўз ерига ўтқазиш, ўзига яраша кутиш керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЙГАРЧИЛИК 1 Тўй-ҳашам кўп бўладиган, тўйлар юришган пайт, шу пайтлардаги тўйлар. *Профессионал масхарабоз ва қизиқчиларнинг аксарияти тўйгарчилик камроқ пайтларда деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

2 *айн.* **тўйчилик.**

ТЎЙДИРМОҚ 1 Тўймоқ фл. орт. н. *Ерни сувга тўйдирмоқ. Ғўзаларни тўйдириб суғормоқ. Кўпчилик бир муштдан урса, ўлдиради, бир бурдадан берса, тўйдиради.* Мақол. ▬ [*Йўлчи:*] *Укам ишлайди. Лекин ёш бола хўжайинникида ўз қорнини тўйдирса, бунга ҳам хурсандман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг* [*Мусулмонқулнинг*] *истибдоди ўзга шаҳарларда унча сезилмаса ҳам, аммо марказ — Қўқон одамларини жуда тўйдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Егулик, ичгулик билан таъминламоқ; боқмоқ. *Шу боғдан келган даромад оиламизни тўйдиради.* ▬ *Абдураҳмон бой тўғонимизни бузди. Кўтармани кўтартириб, тўйдириб турган ариғимизни қуритди.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

ТЎЙИМЛИ Қоринни яхши тўйдирадиган, тўқ тутадиган; керакли витамин ва ш.к. га эга (бой). *Тўйимли овқат. Тўйимли емхашак. Тўйимли озуқа.* ▬ *Инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар орасида энг лаззатли, тўйимли ва шифобахши — асал.* «Фан ва турмуш». *Оқ саксовул, айниқса, унинг уруғи қўй-эчкилар учун тўйимли озуқа.* «Фан ва турмуш».

ТЎЙИМЛИЛИК Тўйдириш ва тўқ тутиш хусусияти. *Овқатнинг тўйимлилиги. Озуқанинг тўйимлилигини оширмоқ.* ▬ *Нон ўзининг аъло даражада тўйимлилиги, юксак таъми билан жаҳонда жуда қадрланади.* Газетадан.

ТЎЙИНМОҚ 1 Обдан тўймоқ. *Бу тўғрида қатъиятсиз, мужмал жавоблар беришдан.. тўйинган Раъно Анвардан кўз олмай турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *махс.* Етарли миқдорда ўзига олмоқ, сингдирмоқ. *Буғга тўйинган ҳаво. Тўйинган буғ. Тўйинган эритма.*

ТЎЙИНЧИЛИК Ейдиган, озиқланадиган нарсалар мўл ҳолат, тўйиб еб-озиқланадиган шароит мавжудлиги (мол-ҳайвонларга нисбатан). *Далада мол тўйинчилиги бошланган.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ТЎЙЛАМОҚ *шв.* **1** Тўйларда меҳмон бўлмоқ, тўйма-тўй юрмоқ. *Тўйлагани келган меҳмонлар.* ▬ *Сухсур учар сой бўйлаб, Ўртоғим келар тўйлаб, Эртага келар чоғи, Ваъдани берай ўйлаб.* «Қўшиқлар».

2 Тўй билан муборакбод қилмоқ. *Эркаклар қўй, тана етаклаб тўйлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

3 (*асосан равишдош шаклида —* **тўйлаб**) Тўй қилиб. *Қабул қилсанг, қизим тўйлаб берайин.* «Баҳром ва Гуландом». *Қизин тўйлаб, никоҳ қилиб олганман.* «Муродхон».

ТЎЙЛИ Тўйи бўлган, тўй қилаётган, ўтказаётган. *Тўйлининг тўйи ўтди, Тўйсизнинг куни ўтди.* Мақол. ▬ *Ўзбек ойим аралашган тўйли хотинларнинг кўнгилларида-*

ги орзу-ҳаваслари ҳам эрлари томонидан камчиликсиз бажарилар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўралари қўйли, уйлари тўйли. Фуқаросин кўнгли Тангритоғ бўйли.* Газетадан.

ТЎЙЛИК Тўй учун зарур бўлган нарсалар. *[Қози Қодирқулга:] Бешик кетди бўлгандан буёқ ҳар йил расм-русумларини қилишиб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйибди..* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ТЎЙЛОВЧИ *шв.* Тўйга ташриф буюрувчи, тўй билан муборакбод қилувчи. *Тўйловчилар атаган совға-саломларини рўмолга ташлашди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Тўйловчи аёллар сочқилар сочди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ТЎЙМАГУР *ҳақр.* Борига, берганга қаноат ҳосил қилмайдиган шахсга нисбатан қўлланади. *Тўймагур директор яна тери сўратибди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ТЎЙМОҚ 1 Ейиш, ичишга бўлган талаби қонмоқ, қониб емоқ, ичмоқ, овқатга, сувга қонмоқ. *Еб тўймаган, ялаб тўймас* Мақол. *Қўл билан берганга қуш тўймас.* Мақол. *Суқ тўймас, ўғри бойимас.* Мақол. ▬ *Анвар Нигор ойимга раҳмат айтиб, тўйганини сўзлади ва қўл артар экан, чақалоққа гап қотди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Камбағал халқ ўлиб-тирилиб меҳнат қилади-ку, қорни тўймайди, эгни бутун бўлмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сув, озуқага тўйинмоқ (ер ва ўсимликлар ҳақида). *Ғўзалар сувга тўйди. Ер тўймагунча, эл тўймас.* Мақол. ▬ *Қор сувига тўйган ер хамирдек юмшоқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Халқнинг ер тўйса, эл тўяди, деган нақлида ҳикмат кўп.* Газетадан.

3 *кўчма* Роҳатланиб мириқмоқ. *Уйқуга тўймоқ. Дийдорига тўймоқ. Тўйиб суҳбатлашмоқ. Йиқилган курашга тўймас.* Мақол. ▬ *У* [*Элмурод*] *ҳар гал бу йўлдан юрганда, узоқ-узоқларга тикилиб, сира тўймасди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тўпа хола ўзини шунча тетик тутгиси, ҳориган кўзларини очгиси, табиатга тўйиб боққиси келади, аммо дармони йўқ.* И. Раҳим, Ихлос. *Кенг ҳовлининг ҳуснига хол бўлиб турган атиргуллар яқин кунларда очилиб, тўйиб бўлмайдиган жамолини намоён қилади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Тўйиб-тўйиб шўхлик, бебошлик, «жиннилик» қилсанг, водийни бошингга кўтариб қаҳқаҳа урсанг.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 *кўчма* Чидаб, тоқат қилиб чарчамоқ, тоқати тоқ, безорижон бўлмоқ. *Ақл, инсоф билан иш қила-қила, энди жуда тўйдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен ҳам тўйдим бу хўрлик, бу ҳақоратдан!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қишлоқ халқи Сарижўжа сувининг тошқинидан жуда тўйган экан.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Жондан тўймоқ *қ.* **жон 3. Кўнгли тўлмоқ** *қ.* **кўнгил.** *Еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда, бу кўрганингизга кўнглингиз тўлмаса, ҳали ёшсиз, ўқинг!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ТЎЙПАРАСТ Тўйтўйлашни, тўйма-тўй юришни яхши кўрадиган. *Тўйпараст одам.* ▬ *Бошқа уйларда қариндош-уруғлар ва никоҳни пойлаб ётган тўйпараст, дайди, турли хотинлар бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЙХАТ 1 Тўйга таклиф қилиб ёзилган қоғоз, тўй таклифномаси.

2 Тўй, байрам муносабати билан ёзилган табрикнома.

ТЎЙХОНА Тўй бўлаётган уй, жой. *Афанди устида эски чопони билан тўйхонага кириб қолган эди.* «Латифалар». *Тўйхонани қийқириқ босди. Бўз йигитлар сабрини йўқотиб, ўтирган ерларида селкиллаб тушдилар, қиз чирпирак бўлиб, лапар тўлқинига айлана бошлади.* С. Сиёев, Аваз.

ТЎЙЧИ 1 Тўйга келган меҳмон, тўй қатнашчиси. *Тўй тарқади, қизни никоҳ қилди. Авазхон йигитлари билан тўйчилар ҳам қайтди.* «Бўтакўз».

2 Тўй қилувчи киши, тўй эгаси. *Агар ҳозирлик кўрмай шаҳарни кутсак, шаҳардан ёрдам чиқа бермаса, худди тўёнага ишониб, қўй олмаган тўйчи каби, тўй қозонини тўнкаришга мажбур бўламиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Тўйчи (эркаклар исми).

ТЎЙЧИЛИК Тўйдаги ўзига хос тартиб, муомала-муносабатлар. *Тўйчилик, айланай, ҳеч кимдан гина қилиб бўлмайди.* ▬ *-Ҳа, тўйчилик-да. Оғзимиз чучиб қолсин!* — *кулишишди йигитлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЙЧИҚ Кичкина тўй, тўйча.

ТЎЙ-ҲАШАМ Турли тўй маросимлари. *Мениям орзу-ҳавасларим бор, тўй-ҳашам кўрмоқчиман.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Базмларда, ўтиришларда, тўй-ҳашамда хонан-*

далар Огаҳийдан бир ғазал ўқиса, Аваздан бир ғазал ўқирди. С. Сиёев, Аваз.

ТЎКИБ-СОЧИБ 1 Тўкмоқ фл. рвдш. *Тўкиб-сочиб ун қопламоқ.*

2 *кўчма кам қўлл.* Мўл-кўл қилиб, тўкин-сочин. [*Олахўжа*] *Тўйдан илгари тайинлади: -Дўст-душман — ҳаммасини айтинглар, тўкиб-сочиб едиринглар! Олахўжанинг ош-сувини юртдан аямайдиган киши эканини билиб қўйсин бу халқ!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЎКИЛМОҚ 1 Тўкмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Дастурхонга чой тўкилди. Қоплардан буғдой тўкиляпти. Қатиқ тўкилган ерда юқи қолар.* Мақол. *Тўкилса манглай теринг — унумли бўлур еринг.* Мақол. ▬ *Қўшоқ, от тагига тўкилган бедаларни бир қучоқ қилиб супуриб олиб келди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Салдов деб нечанинг қадди букилди, Ер тишлаб, кўксига ёши тўкилди.* Ғайратий. *Бу мажлисдан кейин мен бир неча вақт Отабек ва йўлдошларининг қонлари тўкилмасин, деб бу гапни ичимга солиб юрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шағал тўкилган йўл бўйида бошига гулдор соябон тутиб.. Гавҳар турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бўшаб, уваланиб дув тушмоқ. *Энди зах ариқлар пайдо бўлиб, ҳамма ёқни қамиш босиб кетибди: пахса деворларнинг ости шўралаб тўкиляпти.* С. Нуров, Нарвон.

Бир туки тўкилса.. Салгина зарар-зиён етказилса, жабр қилинса. *Хавотир олманг, ул жанобнинг бир туки тўкилса, мен жавобгар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Оҳори тўкилмаган** *қ.* **оҳор 2. Тутдай тўкилмоқ** *қ.* **тут**. **Тўкилиб** *(ёки* **тўкилай деб) турмоқ** Путурдан кетмоқ; қулай, ўлай деб турмоқ (аранг турган, шарти кетиб, парти қолган нарсалар, одамлар ҳақида). *Оташ дукчининг отасидан қолган бўғот томли пастак уйнинг бир чеккаси чўккан, қийшайиб тўкилиб турар эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Феруз тўкилай деб турган пастак уйга имо қилиб кулади: -Кунжагинг хароба-ку, Мамажон.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Шўрига шўрва тўкилмоқ** *қ.* **шўр** II**. Юраги тўкилиб** (*ёки* **тўкилай деб) турибди** Дили оғриб, эзилиб турибди, юраги тўлиб, тўлиқиб, ўзини аранг тутиб турибди. *Ғуломжоннинг тўкилиб турган юрагига қиз илтифоти мадад берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қирови тўкилмаган** *қ.* **қиров** II.

ТЎКИН Ноз-неъматларга бой, мўл-кўл, маъмур. *Қовун-узумнинг тўкин вақти. Зиёфат тўкин эди.* ▬ *Умурзоқ ака азиз меҳмонни фарғоналикларга хос сахийлик ва очиқ юз билан қарши олди, тўкин дастурхон ёзилган уйнинг тўрига ўтқазди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Тўкин кузда туғилган фарзанднинг пешонаси ярқироқ бўлади.* «Саодат».

ТЎКИНДИ 1 Тўкиб ташланган ёки ташланадиган қолдиқ нарса. *Тўкиндиларни ўрага ташламоқ.*

2 Тўкилиб, тушиб қолган нарса. *Тўкинди, парча-парча пахталарни йиғиб.. далага жўнайди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТЎКИНЛИК Тўкин, маъмур ҳолатлилик. *Ҳозирги маъмур ҳаётимиз, тўкинлик — ҳаммаси пахтадан..* Х. Аҳророва, Ўзимизнинг Турсуной. *Ҳар ёнда тўкинлик — Куздан нишона.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ТЎКИН-СОЧИН Жуда тўкин, мўл-кўл. *Тўкин-сочин дастурхон.* ▬ *Мен боғдаман, атрофимда тўкин-сочин ёз, Ишкомларда товланади қора кўз чарос.* Э. Охунова. *Бу йилги булутсиз илиқ кунлар, яшил япроқлар, тўкин-сочин мевалар мавсумининг ғанимат бир қисми қолгани юракни алланечук суюнтиради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ТЎКИНЧИЛИК Ноз-неъматларнинг тўкинлиги, сероблиги; мўл-кўлчилик. *Биз Тошкентдаги Олой бозорига жуда эрта келдик.. Чинакам маъмурчилик, тўкинчиликни шу ерда кўриш мумкин.* Газетадан.

ТЎКИС 1 Ҳар жиҳатдан таъминланган, мукаммал, камчилиги йўқ; бекам-кўст. *Тўкис рўзғор.* ▬ *Тошкентда мандай тўкис келин бормикан? Ҳамма нарса жойида.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳусни, одоби тўкис экан, — кесатди Анорхон.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Ҳар тўкисда бир айб Камчилиги, нуқсони йўқ одам бўлмайди. *«Ҳар тўкисда бир айб» дегандай, унча-бунча камчилигимиз бор..* «Муштум».

2 Савлатли, кенг-мўл (кийим ҳақида). *Тўкис костюм.*

ТЎКИСЛИК Тўкис ҳолатга эгалик. *Дастурхоннинг тўкислиги. Кийимнинг тўкислиги.*

ТЎКМА *этн.* Улфатлар ўртага тўккан маблағ ва масаллиқ ҳисобига, одатда, қиш кунларида ўтказиладиган ўтириш. *Бизнинг шаҳар, қишлоқларимизда қиш кириши билан ёш-яланглар, ҳар ким ўз тўпи билан «тўкма» бошлашар.. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш

уринишлари. *Бир тенгдошимникига борувдим. У бизнинг жўрабошимиз, ҳафталик тўкмамиз бор эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТЎКМОҚ 1 Суюқ ёки сочилувчан нарсаларни идишдан туширмоқ, сочилишига йўл қўймоқ. *Шўрвани тўкмасдан олиб кел. Ошни тўкмасдан е! Шакарнинг ярмини йўлда тўкиб келибсан.*

2 Дув туширмоқ, ташламоқ. *Ғўзаларнинг баргини тўкмоқ.* ▬ *Кекса ўрик дарахтлари пахса деворларни қўлтиқлаб олгандай, гулларини кўчага тўкиб ётарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мен чиқдим-у, бодом шохидан Тўда қушлар гурр этиб кетди. Тагдўзи дўппили бодомнинг Гулларини дув тўкиб кетди.* Т. Тўла.

3 Ағдариб бўшатмоқ, ағдармоқ. *Бола сутни тўкиб юборди. Графиндаги сувни тўкиб ташладим.* ▬ *Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Аёл*] *Пахтасини келтириб, хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Оқизмоқ, оқизишга мажбур этмоқ (кўз ёши, қон, тер ҳақида). *Кўз ёши тўкмоқ. Тер тўкмаса — эр эмас, Қўл тегмаса — ер эмас.* Мақол. ▬ *Хон қуролсиз халқнинг қонини тўкиб, зўрлик билан исённи бостирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 *кўчма* Ёғдирмоқ, сочмоқ (ёғду, нур ва ш.к. ҳақида). *Тўлин ой сутдек ёғдусини мактаб саҳни ва том тунукаларига аёвсиз тўкар, булбул эса ҳамон тинмай сайрар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Раҳмат, синглим, шу сўз, шу бўса, Шу гулдаста баридан афзал. Меҳр майингдан тутдинг лим коса, Гўё тўкдинг бошим узра зар.* Ё. Мирзо.

6 *кўчма* Дилдаги бор нарсани, бор-йўғини айтмоқ, дилдагини айтиб, юракни бўшатмоқ. [*Хайриниса*] *Бир зум жағи тинмас, ичида йиғилганларни бировга тўкмаса тинчимас эди.* Ойбек, Улуғ йўл. [*Қурбон:*] *Биз юракдаги дардимизни бир тўкай деб келсагу, берган жавобинг бу бўлса! Раҳмат сенга!* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим. *Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганнинг устига чиқиб тепиш» қабилидан бўлган бу харакатидан тутуни кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўкади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Низомжон чидамади. Юрагида тўлиб-тошган гапларни узил-кесил тўкиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб, яна далага қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Обрўйини тўкмоқ *қ.* **обрў(й) 1. Оҳорини тўкмоқ** *қ.* **оҳор 2. Савлат тўкмоқ** *қ.* **савлат 1**. **Тер тўкмоқ** *қ.* **тер. Кўр тўкмоқ** *қ.* **кўр**.

ТЎЛ *шв.* Қўйларнинг туғиш, болалаш мавсуми; қўзилаш; қўзилатиш. *Келаси тўлда мен ҳам қўзини ҳозиргидан кўпроқ олишга сўз бераман.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Эртага ейдиганини бугун берса, айни тўл вақтига бориб, омборлар шипшийдам бўлади. Унда қўйлар тупроқ ялайдими?* С. Анорбоев, Оқсой.

ТЎЛА 1 Бутун ҳажми, сиғими эгалланган, банд бўлган. *Тўла қоп. Тўла зал. Тўла бир челак сув. Кўча тўла одам.* ▬ *Курси устига дастурхон ёзилиб, мева-чева тўла патнис қўйилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ҳис-туйғу, куч-қувват ва ш.к. га тўлган, тошган. *Қувонч тўла кўзлар.* ▬ *Элмурод унинг рўпарасига келди ва заҳар тўла овоз билан сўради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сарпардалардан жон олгич дард-алам тўла бир куй оқа бошлади.* К. Яшин, Ҳамза. *Аҳмад энди ўзини ота ҳисоблар ва бу тотли ҳолдан юраги ғурурга тўла эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тўрт томоннинг ҳаммаси баҳор нафосатига тўла.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Етишмаган ери, қисми, кам-кўсти йўқ; мукаммал, расо, тўлиқ, бут. *Тўла иш куни. Асбобларнинг тўла комплекти. Гапнинг тўла мазмуни. Тўла жавоб. Тўла ишонч. Имкониятлардан тўла фойдаланмоқ. Тўла қуролсизланиш. Тўла жорий этмоқ. Фикрингизга тўла қўшиламан.* ▬ *Турсуной кўзини ҳали тўла очгани йўқ эди, узун киприклари хира кўзларини тўсиб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Шокир отанинг уйида яшай бошлагач, Унсин ҳамма воқеани — акаси билан Гулнорнинг севги эртагини кампирдан тўла эшитди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг мойи қўй ва қорамолнинг мойига нисбатан тез эрийди ва тўла ҳазм бўлади.* «Фан ва турмуш».

4 Жуссаси ёки бирор аъзоси бўлиқ этли, семиз. *Тўла одам.* ▬ *Ўрта бўйли, тўла, лекин кенг юзининг гўштлари сарғайиб, салқиб тушган, эллик саккиз ёшларда бўлган касалнамо хотин аста-секин юриб келаверди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўрдаги кичкина эшик очилиб, ичкаридан тўла юзли.. белига қилич осган қирқ беш ёшлар чамасида бир киши кўринди.* А. Қодирий, Ўтган кун-

лар. *Тўла, қип-қизил мағиздек аёл бир ҳафтада чўпдек бўлиб қолган эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

5 Тўла (эркаклар исми).

ТЎЛАЛИК Тўла ҳолат. *Идишнинг тўлалиги. У сиздан тўлалик қилади.* ▬ [*Зайнаб*] *Илгариги тўлалигининг ярмисини йўқотгандек, тусига қаримсиқлик кирган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎЛАМОҚ 1 Олинган, харид қилинган, фойдаланилган ва ш. к. нарсалар эвазига тегишли миқдорда пул, ҳақ бермоқ. *Кассага нақд пул тўлаб, нарса олмоқ. Кира ҳақи тўламоқ. Арзон тўламоқ.* ▬ *Бу нарсаларингиз менда гаров туради, қачонки пул топсангиз, менинг яроғ учун тўлаган пулимни бериб, нарсаларингизни оласизлар.* С. Айний, Қуллар.

2 Олинган пулни, қарзни қайтармоқ, узмоқ; зиммасидаги пул, тўлов мажбуриятини адо этмоқ. *Солиқ тўламоқ. Бадал тўламоқ. Жарима тўламоқ.* ▬ *Бугун қарзларингни тўлайсанлар — мен тинч, сенлар тинч.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Етказилган зарарнинг муздини бермоқ, ўрнини тўлдирмоқ. *Товон тўламоқ. Хун тўламоқ.* ▬ *-Вой,* [*қўғирчоғим*] *касал бўлиб қолибди, тўлаб берасан, — деди Муҳайё Манзурага.* Н. Ёқубов, Кичкина доктор.

ТЎЛДИРМОҚ 1 Тўлмоқ фл. орт. н. *Ваннани тўлдирмоқ. Шкафни китобга тўлдирмоқ. Атир иси уйни тўлдирди. Штатни ёш мутахассислар ҳисобига тўлдирдик. Камкўстини тўлдирдик. Эл қозонини тўлдирганни эл тўйдирар.* Мақол. ▬ *Ўз ғув-ғуви билан гузарни тўлдирган одамлар гурунги ҳам бир зумда тинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Латофат яна бир йўталиб, кўкрагини тўлдириб, чуқур нафас олди.* О. Ёқубов, Мирзатерак.

2 Бўш ўринларга, графаларга тегишли рақам, маълумот ва ш. к. ёзмоқ. *Анкета тўлдирмоқ.* ▬ *Майор.. варақани ўзи тўлдирди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Мудира никоҳ шаҳодатномасини тантанали вазиятда тўлдириб, аввал Ферузага, кейин Норқўзига ручка тутиб, қўл қўйдирди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

3 Турли қўшишлар, қўшимчалар билан мукаммаллаштирмоқ; қўшимча фикр-мулоҳаза билдирмоқ. *Улар бир оз суҳбатдан кейин бирга китоб ўқишди. Бир-бирларига саволлар беришди, бир-бирларининг фикрларини тўлдиришди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Улар мазмунан бири иккинчисини қувватлайди, тўлдиради..* «ЎТА».

ТЎЛДИРУВЧИ 1 Тўлдирмоқ фл. сфдш.

2 *тлш.* Гапнинг бирор бўлагига боғланиб, уни изоҳлаб, тўлдириб келувчи иккинчи даражали гап бўлаги. *Воситали тўлдирувчи. Воситасиз тўлдирувчи.*

Тўлдирувчи эргаш гап Бош гапнинг кесимини тўлдирувчи эргаш гап.

ТЎЛИН Тўлиқ гардиш шаклига кирган, бутун (ой ҳақида). *Тўлин ой ғарбга томон оққан, ҳамма ёқ сутдай оппоқ.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Навоий суюниб баҳо берди: -Сиз шеърда ҳилол эмас, тўлин ой бўлибсиз энди!* Ойбек, Навоий. *Гаҳи боқсам тўлин ойдек юзига, Гаҳи шўх ўйноқи шаҳло кўзига.* Ҳабибий.

ТЎЛИШМОҚ 1 Тўлмоқ фл. бирг. н. *Оломон бир нимага қасд қилиб тўлишиб турганда, бир оғиз гап кифоя қилади.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Тўлалик, бўлиқлик касб этмоқ; тўлмоқ, *Юзи тўлишибди.* ▬ [*Аҳмаджон*] *Яна тикилди. Ўша-ўша Латофат. Сира ўзгармабди. Тиниқиб, хиёл тўлишибди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоғда, бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЛИҚ 1 Тўлган, тўлдирилган, тўла. *У ўзини ушлаб туролмади, нафрати қайнади, ғазаб билан тўлиқ, бўғиқ товуши билан ғижиниб сўйлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Киноя ва аччиқлар билан тўлиқ мактубингизни олдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бекам-кўст, мукаммал, тўла. *Тўлиқ рўйхат. Асбобларнинг тўлиқ комплекти. Тўлиқ асарлар тўплами.* ▬ *Мажлисда ҳамма масала ечилгандай, Аҳмедовдан сўралмаган ва тўлиқ жавоб олинмаган савол қолмагандай бўлган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гектарлар тўлиқ, ниҳоллар баравж, текис шоналаган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТЎЛИҚЛАМОҚ Расо, мукаммал, бут қилмоқ, расоламоқ, тўлдирмоқ, мукаммаллаштирмоқ.

ТЎЛИҚМОҚ 1 Юраги тўлиб, ўзини аранг тутиб турмоқ. *Шохариқ бўйлаб Анорхон келиб қолди. У нимадандир хафа, куйин-*

ганидан тўлиқиб турибди. И. Раҳим, Ихлос. *Ёш йигит, юраги тўлиқади, ҳаприқади.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

2 *кам қўлл.* Керкмоқ, шишинқирамоқ. *Ширмонхон кўз ёшини сира тиёлмади. Қовоқлари шишиб, юзлари тўлиқиб кетди.* С. Зуннунова, Олов.

ТЎЛИҚСИЗ Тўлиқ бўлмаган, нотўла. *Тўлиқсиз комплект.*

Тўлиқсиз гап *тлш.* Бирор бўлаги туширилган, лекин мазмуни осон тушунилаверадиган гап.

ТЎЛМОҚ 1 Бўш жойи қолмай эгалланмоқ, банд бўлмоқ. *Ҳовуз тўлди. Зал тўлди. Кўча одамга тўлди. Қоп тўлди. Дафтарнинг икки бети тўлди. Кўзи ёшга тўлди.*

2 Кўп ёки етарли миқдорда бирор нарсага эга бўлмоқ, эгаллаб олмоқ, қамраб олмоқ; қопланмоқ, бурканмоқ. *Гуллар ҳидига тўлган илиқ, маст қилувчи ҳаво.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жажжигина хона биллур қандилдан ёғилаётган нурга тўлган..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ғуломжоннинг юраги ачишди. Унинг юрагида шу аламлар заҳри тўлиб ётарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир зумда эшик болалар чуғурига тўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Лолага тўлди дала, Чакқангга тақ, чакқангга. Сараси тарғил лола, Чакқангга тақ, чакқангга.* Т. Тўла. *Энг улуг байрам бугун, Келинг, ўртоқлар. Нурларга тўлди бугун Уйлар, ўтлоқлар.* И. Муслим.

3 *кўчма* Ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш.к. билан ошиб-тошмоқ. *Онанинг юраги умид ва қувончга тўлди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Унинг* [*Лаълининг*] *бийрон-бийрон сўзларини эшитган Мирҳосил маҳлиё бўлиб қолди, кўкраги завқ-шавққа тўлди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Гапингнинг ёлғони билиниб қолди, Шу сабабдан Ёдгор ғазабга тўлди.* «Ёдгор».

4 *кўчма айн.* **тўлиқмоқ**. *Ўжар эрдан тўлиб юрган кампир бир оғиз гап билан ярасига туз сепгандек бўлди.* С. Абдулла, Соялар. *Ҳайдар ота ундан* [*кампирдан*] *Ёдгорбойни сўраб: -Хат келиб турибдими? — деган эди, кампир ўзи тўлиб турган экан, кўз ёши қилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

5 Сон-миқдор, вақтнинг маълум бир даражасини эгалламоқ. *Мен, ўн олтига роса тўлмаган қиз, бирдан ёт ва катта оилага тушиб қолдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўн беш кунга тўлганида ой, Кўкка чиқиб, тунни ахтарди, Орқасидан баланд осмонда Олам-олам юлдузлар борди.* Ҳ. Олимжон. *Ҳурматли устознинг пойқадами етганига бугун роса уч йил тўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Пахта экдик, бўлсин деб, Шартномамиз тўлсин деб, Юз центнерга қўл қўйдик Душман куйиб ўлсин деб.* «Қўшиқлар».

Куни *(ёки* **қазоси, паймонаси) тўлмоқ** Куни битмоқ, қазоси етмоқ, ўлар чоғи келмоқ. *Худо сенинг ақлу ҳушинг олдими? Ажал етиб, сенинг кунинг тўлдими?* «Рустамхон». *Таралганда тоза гуллар сўлмасин, Омон бўлсин, паймонаси тўлмасин.* «Эрали ва Шерали». *Қазом тўлса, қадам босмай ўлайин.* «Нурали».

6 Мукаммаллашмоқ, расо, бут бўлмоқ; ўрни қопланмоқ. *Гуруҳ тўлди. Штат тўлди. Чаласи тўлди. Зарарнинг ўрни тўлди.*

Ақли (*ёки* **мияси**) **тўлмоқ** Ақли ўсиб, вояга етмоқ, ақли етилмоқ. *Китоб ўқиган кишининг мияси тобора очилади, тўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Эт қўймоқ; семирмоқ, тўлишмоқ. *Зайнаб Кумушнинг тўлиб етмаган гавдасига ва.. ғубор тегмаган ҳуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Салтанатхон курортдан қайтиб келдиларми? Ойдай тўлиб, кундай кулиб келгандирлар бўлмасам?* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

Ичи (*ёки* **юраги**) **тўлмоқ** Тўлиқмоқ, диққинафас бўлмоқ, диққати ошмоқ. *Тўғриси, уйдаги гапларни ҳаммадан бекита-бекита, ичим тўлиб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Юраги тўлиб кетган пайтларида эса ҳаммаҳалласи Зубайдахонларникига чиқади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўнгли тўлмоқ** *қ.* **кўнгил. Сабр косаси тўлмоқ** *қ.* **сабр 2. Уйи тўлиб қолди** Кимсанинг сафардаги яқин кишиси келиб, унинг оиласи жамулжам бўлганда айтиладиган ибора. *Йигитча фронтчи акасининг келишидан, уйи тўлиб қолишидан қувончи ичига сиғмади.* С. Аҳмад, Уфқ. **Ўпкаси тўлмоқ** *қ.* **ўпка** I.

ТЎЛОВ 1 Тўламоқ фл. ҳар. н. *От ишлатганингда, нос пули, чой пули сўраб олганингда, қўлинг кўксингда эди, энди тўловига келганда жириллайсан.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 Бирор мажбурият юзасидан ёки қарор, қонун ва ш.к. га мувофиқ тўланадиган пул, маблағ ёки нарса. *Биринчи тўлов. Иккинчи*

тўлов. Тўлов қоғози. ▬ *Бир рўзғорга қирқ хил тўлов.. ўласанми, қоласанми — иши йўқ.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Товон, компенсация. *Тўловига қолмоқ.*

ТЎЛОВДОР Бирор тўлови ёки тўлов юзасидан қарзи, боқимондаси бўлган шахс, ташкилот.

ТЎЛҚИН 1 Қаттиқ чайқалиб турган сув бетидаги пўртана; долға. *Дарё тўлқини. Қайиқ тўлқинда қалқиб бормоқда. Денгиз тўлқинга келди.* ▬ *Денгиз, мунча ҳовлиқасан, Қайиқларни ирғитасан, Тоғдай-тоғдай тўлқинларни Соҳилларга сен отасан.* Ғайратий. *Бирдан сув чайқалиб, тўлқин турди. Тўлқин кўтарила-кўтарила, биз томонга етиб келди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Кўприк тагидан шитоб билан ўтаётган Анҳор тўлқинлари гўё пастдан қайнаб чиқар ва юмалаб-юмалаб оқарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *кўчма* Шакли, ҳаракати ва б. белгиси билан шу ҳодисани билдирувчи нарсаларга нисбатан қўлланади. *Шамол тўлқини. Қум тўлқини.* ▬ *Ҳаво тўлқини зарбидан дарахтлар эгилар, шохлари синиб тушарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *«Хонга арзга борамиз», «Жабр-зулмдан дод» деган халқ тўлқини Хивага томон оқиб келаверган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Унинг руҳи ашуланинг гоҳ жўшқин, гоҳ ипакдек, нурдек майин тўлқинида оқиб борарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Тўлқин-тўлқин учиб келар куй, Юрагимни қучиб келар куй.* Г. Жўраева.

3 *кўчма* Ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш.к. нинг жўшқин ҳаракати, тўлғаниши, ғалаёни; туғён. *Ғазаб тўлқинлари.* ▬ *Янгиер қандайдир катта бир қувонч тўлқинида сузар эди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Мамлакатда.. хон-беклар зулми авжига минди. Буларни ўз кўзи билан кўрган Аваз нафратланиб, юрак тўлқинини қоғозга битди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Элмурод, ичидан тўлқин урган ғазабини яшира олмай.. сўради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *физ.* Физик муҳитдаги тебранма ҳаракат. *Товуш тўлқинлари. Электромагнит тўлқинлар. Қисқа тўлқинлар.*

5 Тўлқин (эркаклар исми).

ТЎЛҚИНЛАНМОҚ 1 Тўлқинли ҳаракатга келмоқ. *Сув тўлқинланди.* ▬ *Пастда жуда катта лойқа кўл тўлқинланиб ётар.. эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Шамолда қум даласи денгиздай жимир-жимир қилади, тўлқинланади.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Тўлқинланар орқада Сочлар майин бир ипак.* Ғайратий.

2 *кўчма* Тўлқинга ўхшаш ҳаракатланмоқ, тўлқинни эслатувчи ҳаракат қилмоқ. *Милтиқлар ўқталганда, халқ ҳам бир қўзғалиб, тўлқинланиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шу вақтгача тинч ётган халқ денгизи тўлқинланиб, босқинчиларни ютиб, йўқ қилиб юбориш даражасига келди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Мажлис ўтаётганда, зал гўё тўлқинланаётгандай эди.* «Муштум».

3 *кўчма* Қайнаб тошмоқ, жўш урмоқ, ғалаён қилмоқ, тўлғанмоқ, туғён урмоқ (ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш.к. ҳақида). *Кутилмаганда қалбимда ғурур ҳисси тўлқинланиб кетди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Элмурод ичида тўлқинланган ҳаяжонни босиб гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зокир булбул қайнаб-тошиб, тўлқинланиб куйлайверди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ТЎЛҚИНЛИ 1 Тўлқинланиб турган, тўлқинга келган, тўлқини бор (**тўлқин** — тўғри ва кўчма маънода). *Тўлқинли дарё. Тўлқинли шамол.* ▬ *Қора денгиз Тўлқинли денгиз..* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. *Тарихнинг тўлқинли, ўтли изидан Қип-қизил қон тусли чечаклар тердим.* Уйғун. [*Нотиқлар*] *Бир-биридан жўшқин, бир-биридан тўлқинли сўзлардилар.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 *физ.* Белгили узунликка эга бўлган (физик тўлқинлар ҳақида). *Қисқа тўлқинли нурлар.* ▬ *Темир: -Қисқа тўлқинли радиопередатчик орқали қизлар билан танишамиз, — деб Тўлаганларнинг вагонига келаверди.* А. Мухтор, Чинор.

ТЎЛҚИНСИМОН Тўлқинга ўхшаш, тўлқин тахлитида. *Тўлқинсимон булут. Тўлқинсимон сирт. Тўлқинсимон ҳаракат.* ▬ *Зинадан пастга тушмай, госпиталнинг юқори қават деразаларига қаради. Деразалар ойнаси оқ бўёқ билан тўлқинсимон бўялган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТЎЛҒАМОҚ *шв.* Чайқатмоқ; силкимоқ, тебратмоқ. *Сулув оғир тулумни тўлғаб, қовоқ косадан жиндак сув ҳўплади-да.. яна ишга тушди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ойхон икки ўрим сочини тўлғаб, ўчоқдан бош кўтармай тўнғиллади.* А. Мухтор, Кумуш

тола. *Қодир гуваладек муштини ҳавода тўлғади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Бош (*ёки* **бўйин**) **тўлғамоқ** *кам қўлл. қ.* **бош, бўйин.** *Итоатдан бош тўлғаган Тошкент устига, албатта, Мусулмонқул золим қўшин тортар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизлар бамаслаҳат нима десак, у бўйин тўлғамас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юраги тўлғади** Қорни бураб оғриди.

ТЎЛҒАНМОҚ 1 Тўлғамоқ фл. ўзл. н. *Илон думи тўлғанишдан тўхтаб, ерга чўзилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шербек Нигорага ер остидан қаради. Унинг йўғон икки ўрим сочи баланд қуймичида тўлғаниб ётарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тўлқинли ҳаракатга келмоқ, тўлқинланмоқ. *Оҳ.. тортди қиз, гўёки дарё — Тўлғанди-ю қирғоқдан ошди.* Т. Тўла. *Қишлоқнинг чап унгуридан мангу куйини чалганича, тўлғаниб-тўлғаниб Оқдарё оқиб ўтади.* «Ёшлик».

3 Алам-изтироб, безовталикдан ўзини у ён-бу ёнга ташламоқ, безовталанмоқ. *Унинг* [*Элгелдининг*] *азобли тўлғанишига қараб фарёд кўтармаслик учун чексиз бардош, тош юрак керак эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Уч дақиқали курашдан сўнг Мутал бўшашди, илгариги кучанишларидан қолди ва бир-икки дафъа тўлғаниб, жимгина жон берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шермат ака.. кечаси билап ухлолмай, тўлганиб чиқди.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

ТЎЛҒИН *кам қўлл.* **1** Тўла, тўлиқ. *Навоий бир неча ойгина бир қадар сокин ишлай олди. «Қуш тили» устида тўлғин завқ билан ишлади.* Ойбек, Навоий.

2 Тўла, этли, семиз. -*Овқат эмиш! Заҳар бер, заҳар!* — *қиз қаддини ростлаб, алам билан қичқираркан, кўзлари ёнди, тўлғин кўкраги ғазаб билан мавжланди.* Ойбек, Навоий.

ТЎЛҒОҚ 1 Туғиш олдида қаттиқ оғриқ, дард билан бўладиган (тутадиган) ҳолат; дард. *Уни тўлғоқ тута бошлади.* ▬ *Султон бўзчининг хотини Ойша бибини тўлғоқ тутиб ётганда, кўча эшигини биров қоқди.* Н. Сафаров. Султон бўзчининг невaралари.

2 *кўчма* Оғир машаққат, қийинчилик; безовталик. *Умаралининг кўзига Зуннунов қандайдир безовта ва серташвиш кўринди. Рostдан ҳам яраси янгиланганга ўхшайди. Ўзини қўйгани жой тополмаяпти. Тўлғоғи бежиз эмас.* И. Раҳим, Ихлос. *Малоҳат эса, рассомнинг илҳом тўлғоғидан бехабар: тоғ ёнбағридаги табиат жаннатига — кўм-кўк қирларга сеҳрланиб тикиларди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ТЎЛҒОҚЛИ 1 Тўлғоқ ҳолатли, тўлғоқ тутаётган ҳолатли.

2 *кўчма* Безовта ҳолатли. *Қабр тепасидаги тераксорда доим ёпирилиб ётган қарғалар, қачон борсак, тўлғоқли, ҳаяжонли овоз билан қағиллагани қағиллаган эди..* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТЎМПАЙМОҚ 1 Чўккалаб мук тушиб ётмоқ. *Ўроз билан Йўлчи оғизларини нақ тутунга еткизиб, тўмпайиб, галма-гал пуфлашарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болалар ўтирган ўринларида тўмпайиб ё турли вазиятда узала тушиб, бирин-сирин ухлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Туртиб чиқиб турмоқ, тўппаймоқ, қаппаймоқ. *Ён чўнтаги тўмпайиб турибди.*

ТЎМТОҚ 1 Учи, тиғи ўткир бўлмаган, ўтмас (баъзи тешувчи нарсалар ҳақида). *Тўмтоқ игна. Тўмтоқ мих.* ▬ *Уста қизнинг қовоғидан қоғозларни олиб, кипригини тўмтоқ қайчи билан қайираётган эди.* С. Аҳмад, Мўтти. *Қиличнинг тўмтоқ томони Йўлдошнинг калласига тегди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Олд, уч томони кесиб ташланган, кесилган (оёқ, қўл, бармоқ, дарахт ва унинг шохлари ҳақида). *Унинг тўмтоқ қўли билинар-билинмас қалтирар, жағ мушаклари жимжилоқдай бўртиб лўқиллаётганди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Новдалари қирқила бериб тўмтоқ бўлиб қолган қатор тут дарахтлари чорси карталарни ажратиб турибди.* Мирмуҳсин, Нуқра.

3 Умуман, уч (бош, олд) томони ўткир бўлмаган, учли эмас. *Баширжон секин ўрнидан турди. Тўмтоқ бурни сал-пал керилиб, чуқур-чуқур нафас оларди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Дадаси маҳаллада биринчи бўлиб галстук таққан, учи тўмтоқ ботинка кийиб, шимини устига туширганлардан эди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

4 *кўчма с. т.* Ақли, зеҳни унчалик ўткир эмас, билими, тушунчаси чекланган, тор. *Тўмтоқ одам.* ▬ *Уч-тўрт кундаёқ Тожибойнинг ўқишга қунти йўқ, зеҳни тўмтоқ ўқувчилардан экани билиниб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Устарани қайраб турилмаса ўтмаслaнганидек, одам ҳам ўз билимини орттирмаса, тўмтоқ бўлиб қолар экан.* А. Муҳиддин, Ҳадя. -*Биламан қурумсоқни,* —

деди камгап, сўзга тўмтоқ читфуруш бойвачча. Ойбек, Улуғ йўл.

5 *кўчма* Мазмуни ёки тузилиши жиҳатидан қусурли; чала-чулпа, чўлтоқ, мужмал. *Тўмтоқ жумла, Тўмтоқ жавоб. Гапи тўмтоқнинг ўзи тўмтоқ.* Мақол. ▬ [*Қози:*] *Сиз аралашмай туринг, элликбоши, жоҳилсиз. Тўмтоқ гапириб, ишнинг пачавасини чиқардингиз!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ҳожи хола.. шу билан ҳикоясини тўмтоқ қилиб тугатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЎН 1 Олди очиқ, пахтали ёки пахтасиз узун устки миллий кийим; чопон. *Кимхоб тўн. Зарварақ тўн. Олача тўн. Банорас тўн.* ▬ *[Аваз] Тўнини кийиб, белини маҳкам танғиб, уйдан чиқди.* С. Сиёев, Аваз. *Хосият буви бўлса кундузию кечаси тўн тикарди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Аваз синглиси олиб келган пахталик тўнга ўраниб.. қабристон оралайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Пўст, қобиқ. *Қовуннинг тўни. Тўни кўк қовун.*

3 *кўчма* Либос. *Баҳор келди элимизга, Яшил тўн кийди дала.* И. Муслим, Сенинг совғанг. *Шаҳар ичидаги баъзи дарахтлар аллақачон яшил тўнини ечиб, қорни кутар..* Газетадан. *Қизлар унинг* [*Нафисанинг*] *ғазаб ва изтироб тўнида эканини билдилар.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Нафсиларимда эрса, орамиз жуда бузилган, мен ҳам ўша вақтларда чин кундошлик тўнини кийган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бақа тўн(и) Кўлмак сувда ҳосил бўладиган яшил (тўқ яшил) юмшоқ қатлам. *Одамлар шундай секин қимирлар эдиларки, худди бақа тўни босган кўлмак сувдай бир жойда турганга ўхшар эдилар.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. **Гапга тўн кийгизмоқ** Гапни жуда боплаб, қойилмақом қилиб гапирмоқ. *Оббо сиз-е.. Хўп гапга тўн кийгизасиз-да..* Н. Сафаров, Оловли излар. **Тўн бичмоқ** Асл ҳолат асосида ёки уни кўрмай-билмай хулоса қилмоқ, иш қилмоқ. *Кадрларнинг савлатига, сўзамоллигига қараб эмас, уларнинг ишига, истеъдодига қараб тўн бичинглар.* «Муштум». *Кабинетдан туриб тўн бичишларига қараганда, Шовот, Қўшкўпир, Хонқа районларидаги китоб савдоси яхши.* «Муштум». **Тўн кийгизмоқ** Тўн ҳадя қилмоқ, тўн билан сийламоқ. *Назарбой совчиларни оқ ўтовга киргизиб, олдига дастурхон ёзиб, икковига тўн кийгизиб сўради..* «Ойсулув». **Тўнини** (*ёки* **тепа тўнини, телба тўнини)** **тескари киймоқ** Ўжарлик қилмоқ, қайсарлик томонига ўтмоқ. *Тўнглик қилсангиз, тўнини тескари кийиб олади – ундан қайсари йўқ.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бир қараса, ундан меҳрибон одам йўқ, бир қараса, тепа тўнини тескари кийиб олади.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *Отаси Умурзоқ Зокиров шу йилнинг июнь ойидаёқ телба тўнини тескари кийиб, этак қоқиб, уйдан чиқиб кетган.* «Муштум».

ТЎНАМОҚ Тунда йўлини тўсиб, босиб ечинтирмоқ, таламоқ. *Худди шу бугун кечаси самоварга тушган аллақайси чорвачи бойни ўғрилар тўнаб, ўзини ўлдириб кетган экан.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТЎНГ 1 Ёқимсиз, қўпол, дағал. *Ҳаммани бездирадиган тўнг сўз, қовоқ солиш уларда бўлмайди.* Газетадан. *Латофат Зокиржоннинг бу тўнг муомаласи замирида нима борлигини асло тушуна олмас эди.* Ғайратий, Довдираш. *Уни зулматдан қарийб фарқ қилмайдиган ним ёруғлик эмас, ҳеч бир маъно англатмайдиган ажабтовур тўнг сукунат ҳам қаршилади.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш. *Усмонбек ўсиқ қошлари тагидан янада тўнгроқ қаради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Ёқимсиз (дағал) муомалали; қўрс. *Тўнг одам.* ▬ [*Устани*] *Ансамблдан бўшатиб юборайлик деймиз-у, яна, қари одам — тирикчилиги нима бўлади, деймиз. Ўзи ҳам ўлгудай тўнг.* Мирмуҳсин, Созанда. *Яшириб нима, Тўхтаназар қўрс, тўнг, ичкиликка ружу қилган.. меҳнатга бўйин бермасди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

3 *кам қўлл.* Тўнгиб, музлаб қолган, музлаган. *Тўнг дарё.* ▬ *Биз ҳамла бошладик тўнг қирғоқларда.* Миртемир.

Тўнг бўйин Бўйин бермайдиган, бўйин эгмайдиган, ўжар. *Бўйин эгиб ҳар тўнг бўйин дарёлар, Биз истаган йўлга бурилди, юрди.* Ҳабибий. *Чунки бу ердаги тўнг бўйинлар.. кундалик иш, касб-корлари бўлган пахтачиликни тамоман ёдларидан чиқарганлар.* «Таниш башаралар».

ТЎНГАК Тўнка, кунда. *Тол тўнгаги. Тўнгак ковламоқ. Қўполдан тўнгак айлансин.* Мақол. ▬ *Ақлли* [*одам*] *тўнгакка нозик ерини, ёриладиган ерини топиб туриб, болта уради – ақли билан ёради, ўзини қийнамайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сидиқжон сал юргандан кейин йўл бўйидаги каттакон*

тўнгакда ўтирган хотинни кўрди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЎНГЛАМОҚ *шв.* Тўнгмоқ. [*Қизларни*] *Эритаман деб тағин ўзингиз тўнглаб қолманг, ефрейтор.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Эчки гўштининг ёғи оқ тусда ва тўнглайдиган бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ТЎНГЛИК Тўнг хусусиятга эгалик, тўнг шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат. -*Мен ўз бошимга ўзим ҳоким!* — *тўнглик билан жавоб берди Тўғонбек.* Ойбек, Навоий. *Алдагани бола яхши деганларидай, Тўламат мўйлов бола табиат; яхши гапнинг қули. Тўнглик қилсангиз, тўнини тескари кийиб олади — ундан қайсари йўқ.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қиёмов билан анчадан бери чиқишмай юради — бунга сабаб ўзининг тўнглиги, тўғрисўзлиги бўлса керак.* Мирмуҳсин, Умид.

ТЎНГМОҚ 1 Музлаб қотиб қолмоқ, музламоқ. *Дарё тўнгди. Шўр тўнгмас, аҳмоқ ўнгмас.* Мақол. ▬ *Музёрарнинг палубасида тўнгадиган қанақа суюқлик бўлса, ҳаммаси тўнгиб, музга айланади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *кўчма* Совуқ қотмоқ, совуқ емоқ, совқотмоқ. *Совуқда қолиб, жуда тўнгиб кетдим.* ▬ *Нормат ака Каримжонга яқинлашиб: -Оёғингиз тўнгган бўлса керак. Отдан тушинг, бир оз тепиниб, оёқларни эпақага келтириб олайлик.* Ё. Шукуров, Камолот.

3 Қуюқлашмоқ, қотмоқ. *Тўнгиб қоладиган ёғ.*

ТЎНИҚ Қора булут босган, булутли. *У қорни шиддатли элаган тўниқ кўкка қарайди, хўрсинади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎНКА 1 Кесилган ёки синиб тушган дарахтнинг ердан учи чиқиб турган, илдизлари билан бирга ер остидаги қисми; тўнгак. *Тўнка ковламоқ.* ▬ *Тўнкалар жуда кўп ҳам бир-бирига жуда яқин. Ер эса тош-метин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўчага чиқиб, толнинг қазиб олинмаган тўнкаси устида — ошхонанинг орқасида ўтирардим.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кам қўлл. айн.* **кунда 2.** -*Кел, болам, камнамосан,* — *дўконхона бурчагида усти ейилган, текис катта косиб тўнкаси орқасида ишлаётган Шокир ота, одатдагича, кўзойнагини оз-моз кўтариб деди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баҳайбат, улкан хона ўртасида каттакон бир юмалоқ тўнка турарди: токчадаги шам ёруғида бу — кесилган ёнғоқ дарахтининг катта тўнкаси эканини билди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Қадди-басти, шунингдек, муомаласи қўпол шахсни билдиради. *Шайх Исмоил билан анави тўнка — Бузрук эшон Шоҳимардонни ёппасига тўйга айтган..* К. Яшин, Ҳамза.

ТЎНКАМОҚ Кимсага ағдармоқ, кимсадан кўрмоқ (ножўя иш, хатти-ҳаракат, айб ва ш.к. ни). *Қилғилиқни қилиб, бировга тўнкайди.* ▬ *Ориф ёлғончилик қилиб, ҳамма айбни менга тўнкагани учун.. сал бўлмаса йиғлаворай дедим.* «Ёшлик». *Э, қўйинг-е! Илгарилари айбингизни об-ҳавога тўнкамас эдингиз-ку!* Уйғун, Навбаҳор.

ТЎНКАРМОҚ Остини устига, устини остига қилиб қўймоқ; ағдармоқ, тўнтармоқ. *Қозонни тўнкариб қўймоқ. Тўлқин қайиқни тўнкариб юборди.* ▬ [*Элмурод*] *Чойхоначи берган қора патнисни олдига тўнкариб, «рўйхат формаси» деган катта рўйхат қоғозларини ёйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аваз сомсанинг устига товоқ тўнкариб қўйиб, чойни шопиришга тушди.* С. Сиёев, Аваз.

ТЎНЛИ Тўн кийган. *Азизбек.. Раймбек додхоҳ ва олабайроқ тўнли кишига саркардаларидан бўлган кимларнингдир бошларини кўрсатмоқда.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎНМОҚ *шв.* Кўзини тикиб қарамоқ; тикилмоқ. *Бир зўр дарахт кўринди, Ўшанга кўзи тўнди.* Ҳ. Олимжон. -*Келиб-келиб қизингни бир ялангоёққа бердингми?* — *деди бой Малика холага тўниб.* Н. Фозилов, Оқим.

ТЎНТАРИШ 1 Тўнтармоқ фл. ҳар. н. *Қозонни тўнтариш. Қайиқни тўнтариш.*

2 *сиёс.* Давлатни, ҳокимиятни куч билан ўзгартириш, ағдариш, қўлга олиш. *Сиёсий тўнтариш.* ▬ *Профессор.. Ироқда давлат тўнтариши бўлгани.. ҳақида гапириб,* [*Умидга*] *турли саволлар берарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТЎНТАРИҒЛИҚ Тўнтарилган, тўнкарилган, тўнтариб қўйилган. *Чироқни тўнтариғлиқ сопол товоқчага қўйиб, ўзи сандалга ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЎНТАРМОҚ 1 Остини устига, устини остига қилиб қўймоқ, ағдармоқ, тўнкармоқ. *Йўлчи токчада ётган шамни ёқиб, бир пиёлани тўнтариб, унинг устига шамни ўтқазди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *сиёс.* Давлатни, ҳокимиятни куч билан ўзгартирмоқ, ағдармоқ, қўлга олмоқ, тўнтариш қилмоқ.

ТЎНҚАЙМОҚ Тик оёқ устида ёки тиз чўкиб, бошини қуйи, орқаси (кети)ни юқори қилмоқ. *Тўнқайиб, икки оёқ орасидан қарамоқ.* ▬ *Чол тўнқайиб, пешонасини бордонга қўйганида, тепада Бойтеватнинг шарпаси сезилди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

Давлатига тўнқаймоқ 1) ношукурлик қилмоқ, нонкўрлик, кўрнамаклик қилмоқ; 2) кўрсатилган иззат-ҳурматни билмай кеккаймоқ, ҳаддан ошмоқ.

ТЎНҚАТАР *тар.* Амир саройида улуғларни отдан туширувчи лавозимли киши. *Ясовуллар.. деҳқонни ёқасидан ушлаб, арк дарвозасига судраб олиб бордилар ва тўнқатарнинг буйруғи билан уни ўн беш таёқ уриб, ундан хизматона ва жанобi олий ҳақига дуо олгандан кейин қўйиб юбордилар.* С. Айний, Қуллар.

ТЎНҒИЗ 1 Ёввойи чўчқа, қобон; умуман, чўчқа. *Ер овлоқ бўлса, тўнғиз тепага чиқар.* Мақол. *Эшак — иши билан, тўнғиз — тиши билан.* Мақол. ▬ *Унинг* [*Турсунбойнинг*] *қамиш чайласи олдидан ўрдаклар учади, яқингинасидан тўнғизлар ўтади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қамиш ўрмонларнинг бир хилдаги салобатли шовуллаши билан тўлган жимжитлик тўнғиз овчиларининг гоҳо узоқларда гумбурлаган милтиқлари товушидан бузилади, холос.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Бизникилар: «Карам шўрва ичмаймиз, тўнғиз гўшти солади», дейишган эди, гўшт-ёғни ҳам ўз қўлимизга берадиган бўлишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Тарбия кўрмаган, нодон ёки виждонсиз одам ҳақида; шу ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Муҳтарам қайин отамизга! Сиз билан мени қоронғи зиндонларга тушириб, дор остларигача тортган.. Ҳомид исмли бир тўнғизни, ниҳоят, икки йиллик саргардонлик сўнгида.. тупроққа қориштиришга муваффақ бўлдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Кет, тўнғиз, кет, тавба қилиш замони ўтди.. — дер эди халқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Анави тўнғизнинг хириллаб ухлашига ҳавасим келяпти, — у Ғаввосни кўрсатди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Мучал йил ҳисобида ўн иккинчи йил номи. *Унинг йили — тўнғиз.* ▬ *Ҳай, Шукур кампир, мучалингиз тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилганмисиз, нима бало, сира эл бўлмайсиз-а?* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Тўнғиз йили Мучал йил ҳисобида ўн иккинчи йил (*қ.* **мучал**).

ТЎНҒИЗТАРОҚ Бир йиллик, баъзилари кўп йиллик баланд бўйли, тўпгулли, тўпгули етилганда кийим-бошга, ҳайвонлар танасига ёпишадиган ўтсимон ўсимлик. *Нусратилла икки кунгача унинг* [*тойчанинг*] *ёлига тўнғизтароқ ёпиштириб ўйнади-ю, кейин қарамай қўйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Этакка ёпишган тўнғизтароқларни юлиб ташлаб, «барака» қидиришлар ҳам.. ҳамма-ҳаммасида қайтиб келмас орзулар бор эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТЎНҒИЛЛАМОҚ 1 Ўз-ўзича ғўнғиллаб, тушуниб бўлмайдиган қилиб, ғудурлаб гапирмоқ; пўнғилламоқ. *У алланималар деб тўнғиллади.* ▬ *Бир сониялик сукутдан сўнг ўрнига чўзилиб, тўнғиллади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Толиб ака яна нима балолар деб тўнғиллади. Аммо энди Аҳмад без бўлиб ўтирарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Норозилик оҳанги билан, қўрс гапирмоқ. -*Кул, ҳа, кул! Сенга шунақа кулги бўлса!— тўнғиллади Сувонжон.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Салимжон*] *Бора-бора уйга пўнғиллаб кириб, тўнғиллаб чиқиб кетадиган бўлиб қолди.* А. Муҳиддин, Давлат қораловчиси.

ТЎНҒИЧ 1 Энг катта (биринчи фарзанд ҳақида). *Тўнғич бола.* ▬ *Моҳирабонудан икки ўғил ва икки қиз дунёга келиб, тўнғичи — Азимбек, ундан кейингиси — Хушрўй, учинчиси — Каримбек ва тўртинчиси бизнинг Зайнаб эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Энг биринчи, дастлабки. *Чирчиқ дарёси бўйларида кимё ва энергетика саноатининг тўнғич корхоналари бунёд этилди.* Газетадан. [*Чевар қиз*] *Шу тола Мирзачўл ерида етиштирилган ҳосилнинг тўнғич чаноқларидан олинганини билармикин?* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

ТЎП I [*ф.* توپ — копток; парча, ўрам, (газмол)] *айн.* **копток 1.** *Футбол тўпи. Тўп ўйнамоқ. Рақиб дарвозасига тўп киритмоқ.* ▬ *Бола ўтириб олиб, жон-жаҳди билан тўпни пуфлашга тушди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Қоронғи тушгунча қўшни болалар билан тўп тепишдик.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

Қўл тўпи Икки жамоа аъзоларининг тўпни қўлда муайян қоидалар асосида бир-

бирларига ошириб, рақиб дарвозасига киритишга қаратилган спорт ўйини. *..спортнинг қўл тўпи, футбол, теннис, шахмат-шашка, волейбол каби турли секциялари ишлаб турипти.* «Муштум».

ТЎП II [*ф.* توپ] **1** *айн.* **тўда.** *Тўпдан айрилганни бўри ер.* Мақол. ▬ *Уч давангир йигит орасида келаётган Маъсума бека дарҳол ўзини шоҳи мато сотаётганлар тўпига урди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Аёл картотекадан бир тўп хатни олиб, кўз югуртира бошлади.* «Гулдаста». [*Аёл*] *Пахтасини келтириб, хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фабрикада ўралган, ҳали бузилмаган ўлчовли газмол; газмол ўрами. *Бир тўп чит.*

ТЎП III **1** Узун стволли, қуруқлик ва сувдаги ёки ҳаводаги нишонларга зарба берадиган артиллерия қуроли; замбарак. *Танкка қарши ўқ отадиган тўп. Тўп ўқи. Тўпга тутмоқ.* ▬ *Кимдир артиллеристлардан бири 76 миллиметрли тўпни судраб келиб, Нормат окопининг ёнига ўрнатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тонг ёрир-ёримас Оқтепа томонидан тўп ота бошладилар,* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қаердадир тўплар шошилмасдан, вазмин гумбурлайди, ора-сира пулемётлар асабий такиллаб қўяди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўзинг биласанки, қисм ҳужум бошлашидан илгари артиллерия душман позициясини қаттиқ тўпга тутади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *кўчма айн.* **тўпотар.** *Тўпга яқин, қуёшнинг ўтли нафаси зўрайиши билан буғ йўқолиб, ҳамма ёқ чарақлаб кетди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Тўпдан кейин Луқмончанинг онаси етиб келди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ТЎП VI *тақл. с.* Юмшоқ нарсанинг ерга урилишидан чиқадиган кучсиз товуш ҳақида. *Олма тўп этиб ерга тушди. Ташқарида бир нарса тўп этди.*

ТЎПАЛАНГ *шв.* Тўполон.

ТЎПАР *қ.* **тўпир.** *Бир тўпар от келаяпти майдондан.* «Гулихиромон».

ТЎПГУЛ Попук ёки шода, бошоқ, каллак, соябон шаклида бутунлик ҳосил қилган гуллар мажмуи. *Мураккаб тўпгуллар.*

ТЎПДАЙ, -дек 1 Тўпга ўхшаш, тўп сингари. *Ажали етмаган экан, бола бечора соғ қолди.. Нақ бошимдан ошириб отди. Тупроққўргондаги тўпдай гумбурлади савил.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с. т.* Қуруқ, мойсиз, тўпондай. *Тўпдай ош.*

ТЎПИЛЛАМОҚ «Тўп» этган овоз чиқармоқ, «тўп» этмоқ. *Олма тўпиллаб ерга тушди.* ▬ *Йигитча уйга тўпиллаб кириб келди-да, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, стол устига кичкина бир тугунчани қўйди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ТЎПИР *шв.* Тўп, тўда; одамлар тўпи, халқ. *Ҳамма ёқ қабристон жимлигидай унсиз, ваҳимали.. ҳар жой-ҳар жойда тупроқ, қум тўпирлари.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Киндик қони тўкилган она тўпиридан ким жудо бўлгиси келади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТЎПИЧОҚ *қ.* **тўбичоқ.** *Тўпичоқни минганда, Тез юришга ундаймиз..* «Қўшиқлар». *Отинг бўлса тўпичоқдан, Ёл, қуйруғи бир қучоқдан.* «Қўшиқлар».

ТЎПИҚ Болдир суягининг пастки учидаги ён томонга туртиб чиққан дўмбоқ қисми. *Тўпиқ суяги.* ▬ *Лўмбоздай ғилдирак тош думалаб бориб, ўнг оёғи тўпиғига қарс этиб урилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ниҳоят, бир қарорга келгандай эгилиб, Шербекнинг этигини ечишга уринди. Бефойда. Тўпиғи, панжаси шишиб, этикни ёриб юборгудай тирсиллаб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *..далада бир кўктошга тойиб, тўпиғимни чиқариб олдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ёз кунлари Найманчанинг кўчалари тўпиқдан чанг бўларди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайди (*ёки* **тўпиғидан келмайди**) *қ.* **дунё**. **Тўпиқ ўйини** Тўпиқ суягини ўйновчилардан бирига, сўралганда дарҳол кўрсатиш шарти билан, бериб ўйналадиган писандали ўйин. *Тўпиқ ўйнаб, битта ўтиришга тушдим.* **Тўпиғини яламоқ** Хушомадгўйлик қилмоқ, оёғини (товонини) яламоқ. *Қўрқма, жинни! Қачонгача тўпиғини ялайсан..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЎПЛАМ 1 Маълум тартибда тўпланган бир турдаги нарсалар йиғиндиси; коллекция. *Қадимги танга-чақалар тўплами.*

2 Маълум тартибда тўпланган ва нашр этилган асар, қонун, қарор ва ш. к. мажмуи; мажмуа. *Шеърлар тўплами.* ▬ *Тўпламда шоирнинг сара масаллари жамланган.* Газетадан.

3 Тўп, тўда, уюм. *Бир тўплам ўтин.*

ТЎПЛАМОҚ 1 Битта-битта териб ёки супуриб, сидириб, бир ерга йиғмоқ, тўп, тўда ҳолга келтирмоқ. *Тўкилган олмаларни тўплаб қўйдим. Қумни тўплаб қўй.* ▬ [*Йўлчи*] *Мўлжаллаган миқдорини ўриб бўлди. Сўнг, уюм-уюм тўплаб, кенг қулочига сиққанча кўтариб, бойнинг ташқарисига ташимоққа бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Олахўжа шошилиб, лаганлардаги ошларни бир лаганга тўплади. Бошқалар қўлларини артишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Йиғиб кўпайтирмоқ, қўр қилмоқ, жамғармоқ. *Маблағ тўпламоқ.* ▬ *Акбар пул тўплаб.. қачондир Ҳиндистонга саёҳат қилишни орзу қиларди, тилагига етдимикан?* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Сиз ҳам нафсга берилиб, жуда кўп сийму зар тўплагансиз..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Турли манбалардан олиб, бир бутун, яхлит ҳолга келтирмоқ, йиғмоқ; тузмоқ, тартиб этмоқ. *Коллекция тўпламоқ. Гербарий тўпламоқ. Маълумот тўпламоқ. Диссертация учун материал тўпламоқ. Навоий шеърларини тўпламоқ. Колхоз чорвачилик соҳасида катта тажриба тўплади.*

4 Чақириб, чорлаб, бир ерга йиғмоқ, уюштирмоқ. *Самарқанд обидаларидек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган, жаҳонга донғи кетган одамларни тўплаб, уларга шароит яратиб берган одам эзгуликни ҳис қилмаслиги мумкин эмас.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Биз мактабда урушга кетганларнинг расмини тўплаётган эдик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

5 *кўчма* Борини бир ерга йиғмоқ, йиғиштирмоқ (куч, диққат-эътибор ва ш.к. ни). *Ҳушини тўпламоқ. Бутун иродасини тўпламоқ.* ▬ *-Нима? — шу вақтгача паришон турган Ҳури фикрини тўплади.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *У бутун кучини тўплаб, дарахтга чирмаша бошлади.* Н. Сафаров, Тилсимчилар. [*Йўлчи*] *Сўнгги зарба учун бутун ғазабини, кучини, иродасини тўплади-да, бир қўлини ерга тираб, бошини ердан узди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Юзага келтирмоқ, ҳосил қилмоқ. *..Ўқариқдан ҳатлаб ўтди-да, қийғос ҳосил тўплаётган ғўза тупларидаги кўсакларни санай бошлади.* Газетадан. *Тоғ бағирларида асалариларнинг мўл ва шифобахш асал тўплаши учун шароит етарли.* Газетадан.

ТЎПЛОВЧИ 1 Тўпламоқ фл. сфдш. *Аъзолик бадали тўпловчи.*

2 Бирор асар, мажмуа ва ш.к. ни тўплаган, тартиб этган шахс, тузувчи.

ТЎПОЛОН 1 Беҳаловат, тартибсиз ўйин, шўхлик. *Бола-да. Бола бўлгандан кейин, тўполони, шўхлиги билан бўлади-да!* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ҳамроев кечки овқатдан кейин бирпас чўзилмоқчи бўлган эди, тўғри келмади: нариги уй тўполон — болалар бир-бирини ёстиқ билан уриб ўйнаётибди.* А. Қаҳҳор, Айб кимда? *Ҳар бир тўйда тўполон қилиб, беармон ўйнаб-кулишга ўрганган болалар бу «улуғ тўй»дан норози эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, бетартиб ғовур-ғувур ҳаракат; югур-югур, қий-чув, ур-йиқит. [*Жўра:*] *Оғайни, бу яна нима тўполон?* И. Султонов, Бургутнинг парвози. *Сен тўполонда билмадинг. Мелис иккаламиз Ғани тўтини ҳам роса дўппосладик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ваҳимага тушган қўшин бирдан ўзини орқага ташлади, аммо ур-сур тўполонда кўприкка сиғмай, от-уловлари билан сувга тутдай тўкила бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Уриш-жанжал, машмаша, можаро. *Арзимаган гап устида дунё бузган кундош тўполонлари кимнинг қулоғига ёқсин?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шербек Оқсойга тўрт кун деганда, тўполон устига етиб келди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бир тўполон чиқазиб, обрўсини уч пул қилай дедим-у, яна шайтонга ҳай бердим.* «Муштум».

4 *кўчма* Исён, ғалаён. *Тўполон чиқармоқ (кўтармоқ).* ▬ [*Навоий:*] *Шоҳим мендан нима истайдилар.* [*Ҳусайн:*] *Дарвешали тўполонини бартараф қилиш ва фитначини тириклай тутиб келтиришни ўзларига ҳавола қилсак.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Суворий казаклар кимдандир дарак топиб, ғалаённи бостиргани келишган эди. Тўполон босилиб, мадраса олди жимжит бўлгач, яна казармага қайтиб кетдилар.* С. Сиёев, Аваз.

ТЎПОЛОНЧИ 1 Беҳаловат ўйинни, шўхликни яхши кўрадиган, ортиқ даражада шўх. *Тўполончи бола.* ▬ *Малика тўполончироқ, Холдор эса ҳамма вақт қўлларини қовуштириб, «интизом» бўлиб ўтирарди.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Шундай тўполончи боланинг бирданига ювош бўлиб қолганини кўриб, синфдошлари ҳайрон эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бекорга, бўлар-бўлмасга уриш-жанжал қилаверадиган, жанжалкаш. *Тўполончи хотин.* ▬ *Республикада безорилар ва тўполончилар йилдан-йилга камайиб бормоқда.* Газетадан.

ТЎПОЛОНЧИЛИК Тўполончига хос хатти-ҳаракат. *Биров* [*Садриддиннинг*] *дарс вақтида ўтирмаслиги.. бошқаси тўполончилиги натижасида синфдаги болаларга кун бермаётгани ҳақида арз қилади.* А. Шомирзаев, Бизнинг муаллима.

ТЎПОН 1 Донни янчиш ва тозалашда чиқадиган чиқинди; майда чори ёки йирик кепак. *Мен бир оз тўпон юборғизаман. Икки хил ем, майин беда — кўк чиққунча етади шулар.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

2 *махс.* Қизиган темир, мис, қўрғошин кабиларга ишлов берганда тўкиладиган зарралар; кукун. *Қизиган темирни чўзганда, сандон остига тўкилган майда темирлар «тўпон» деб аталади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Кошинпаз учун қарноб тупроғи, оқ қум.. мис тўпони, қўрғошин тўпони керак.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Умуман, чанг, тўзон.

ТЎПОНДАЙ Қуруқ, мойсиз; тўпдай. *Қўй, бўлди, Бувисара, агар ўша кунги мошкичирингни ёғли десанг, кам ёғи қанақа бўлади, тўпондай эди-ку.* В. Ғофуров, Вафодор.

ТЎПОРИ Жуда содда, оддий, қилвирликни билмайдиган. *Тўпори одам.* ▬ *Бутун ўқиш даврида кўзга ташланмаган, ҳатто баъзан кулгили ҳазилларга нишон бўлган бу оқ кўнгил, тўпори йигит* [*Рустам*] *фронтда ўз ўрнини топиб олди.* В. Ғофуров, Вафодор. *Қишлоқ қизларини биласан, анча тўпори бўлишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Баширжон тўпори кўринган кекса шоирнинг байтни жуда тез ва осонгина ёзганига қойил қолди.* Н. Аминов, Суварак.

ТЎПОТАР *эск.* Кундуз соат 12 пайти; туш, чошка, тўп (авваллари Тошкентда шу пайтда тўп отилар эди). *-Вой ўлмасам, тўпотар бўлиб қолибди-ку! - деди* [*Ҳожия хола*] *бир вақт соат стрелкасининг 12 рақами устида турганини кўриб.* В. Ғофуров, Вафодор. *Унсин тумшуғига тунука қопланган чойнакка чой дамлаб, иккита кулча билан Шокир отага узатди: -Отажон, тўпотар бўлди, чой ичинг!* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎППАЙМОҚ Дўппаймоқ, тўмпаймоқ. *Кўприк тагидан ўтгач, йигит сув четида тўппайиб чиқиб турган қайрағоч илдизига интилиб бориб, маҳкам ёпишди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ТЎППИ *с. т.* Дўппи. *Унинг зар билан тикилган жуда чиройли тўпписи бир эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТЎППОНЧА Яқиндаги нишонга ўқ узиш учун белгиланган, ёнда олиб юриладиган қурол; пистолет, револьвер. *Тўппонча отмоқ. Тўппончадан ўқ узмоқ.* ▬ *Бўронбек тўппончасини яланғочлаб, ота-болага ўқталиб турди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У тўппончасини яхшилаб текшириб, ғилофига солди-да, ёстиқ тагига қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТЎПТОШ Қиз болаларнинг майда тошларни ташлаб-илиб олиб ўйнайдиган ўйини ва шу тошларнинг ўзи. *Саодатниг ҳам, Анорнинг ҳам тўптош ўйнаш даври ўтганда, бўлмаса, улар ана шу думалоқ, силлиқ, ранг-баранг майда тошларни этакларига тўлдириб олишарди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Улардан беш-олти қадам наридаги сангзор бўйида қизчалар.. тўптош ўйнашар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ТЎПХОНА [тўп III + хона] *тар.* Ўрта Осиё хонликларида: тўплар, қурол-аслаҳалар сақланадиган жой; арсенал. *Биринчи тўқинишда ўз лашкарбошиси ва тўпхонасини қўлдан берган амир яна ҳийла йўлини тутди.* С. Айний, Қуллар.

ТЎПЧИ Тўп отувчи, тўп билан қуролланган қисмда хизмат қилувчи; артиллериячи, артиллерист. *Бу тепа устида доимий тўпчи ва қоровуллар турар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўпчилар ҳолдан кетиб йиқилгунча отдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТЎР I 1 Умуман, ҳар қандай материалдан катак-катак кўзли ёки бежамдор қилиб тўқилган нарса; асбоб, буюм ва ш.к. нинг шундай нарсадан иборат қисми. *Сим тўр. Футбол дарвозасининг тўри.* ▬ *Каптархонани каптарлардан холи ва [каптархона] оғзидаги новдадан тўқилган тўрларни бузилган кўриб ҳайрон бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Асалариларни парвариш қилишда, асал олишда бошга ҳимоя тўри кийилади.* «Зоология». *Этакдаги сим тўр ортида товуқлар қақағлайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳамхонам каравот тўрини ғижирлатиб, ўрнига ётди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Табиий ёки сунъий толадан катак-катак кўзли ёхуд бежамдор қилиб тўқилган

газмол; тюль. *Нафис тўр. Ип тўр. Пардабоп тўр. Тўр парда.* ▬ *-Нима ҳақда ёзиш ҳам жуда муҳим масала, — давом этди у. — Лекин.. мана шу тюль, — деб у деразаларга тутилган нафис гулли оппоқ тўрни кўрсатди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Шундай тўқилмадан иборат буюм. *Эрталаб, одат бўйича, Нури тўр рўмол ёпиниб, бешикдаги боладан то кексаларга қадар — ҳаммага салом қилар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қора тўр кўлкоп кийиб, юзига сачвонга ўхшаш тўр тутган шляпали хотин уни кўриши билан.. афтини бурuштирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Зуҳра бегимнинг юзи оқ ипак тўр ортидан аниқ кўринмас эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Шундай катаклар шаклида тўқилган (ишланган), балиқ ёки қуш овлаш учун ишлатиладиган буюм, асбоб. *Бедана тутадиган тўр. Тўр билан балиқ овламоқ.* ▬ *Пирнафас ака қайиқ, тўр.. санчқи сотиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Овчи секин-аста тўрнинг ипини тортибди, ҳамма каптар тўрга илинибди.* «Эртаклар». *Дарёга қармоқ ташлаган киши илинганини олади-да, қайси бир балиқчи тўрига тушган лаққани ташлабди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 *кўчма* Қўлга тушириш, илинтириш воситаси; дом, тузоқ. *Қўй, болам, Оқтошга зинҳор бормагин, Ёш баччасан, тўрга тушиб қолмагин.* «Нурали». *Бойвачча яна ошиқ. Шаҳзода унинг яна кимга тўр ташлаётганини сезиб қолган.* К. Яшин, Ҳамза.

6 Умуман, шундай тўқилмага ўхшаш, уни эслатувчи нарса. *Тўри тарам-тарам, ёқимли ҳиди гуркураётган қовунлар..* «Саодат». *Ҳозир Дўстбек билан Аҳмад Танбал бизни ўргимчак тўридай чирмаб келурлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТЎР II Пойгакдаги жойга нисбатан юқоридаги жой, умуман, жойнинг юқори, яъни қуйига қарама-қарши томони. *Ардоқли меҳмонни тўрга ўтқазмоқ. Ғалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади.* Мақол. *Тентак тўрини бермас.* Мақол. ▬ *Полвон тик туриб, отасининг тўрга ўтишини кутди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Марҳамат! Бу уйнинг тўри — сизники, Тўйга келгувчилар мингдан кам эмас.* Ғ. Ғулом. [*Элмурод*] *Қурилишнинг икки томонини кўздан кечириб, унинг битгач, қандай бино бўлишини тасаввур қилади: синфлар, зал, залнинг тўрида ўқитувчилар хонаси.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ноибнинг мулозими ҳовли тўрига қочди.* С. Сиёев, Аваз.

ТЎРА 1 *тар.* Юқори табақага мансуб киши; зодагон, оқсуяк, аристократ. *Бу икки қаватли катта ҳовли Азлархон тўранинг ҳовлиси эди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

2 *тар.* Хонлар даврида ва чор Россияси даврида Туркистонда катта амалдор, ҳоким. *Унга жавоб қилмай, ҳокимдан сўради: -Нима қилайлик бўлмаса, тўрам?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Элликбоши.. ўйлади: «Маҳкамага бориб, Ҳакимбойваччанинг обрўсини дастак қиламан. Тўраларнинг оғзига уриш учун пулни бойвачча беради. Мандан нима кетади, қабул қилаверай».* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ҳурмат юзасидан ёки улуғлаб, кишиларнинг номига, унвонига, мансабига, шунингдек, кўчма маънода баъзи нарсаларни билдирувчи сўзларга қўшиб ишлатиладиган сўз. *[Содиқ:] Ҳа-ҳа-ҳа, балли, Мутал тўрам!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Мулладўст ўзига ўзи:*] *Оббо, ҳай бу кун-эрта ёр-ёр, чилдирма бака-банг, қиблага қараб куёв тўрам ўтирадилар.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Қудрат ака, паловхон тўра ўзларини жуда азиз қилиб қўйдилар, қарздормиз.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Мана, ёнига коньяк тўрани қўйиб, тўнғич ҳосил билан дастурхонни безатдим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *кўчма* Расмиятчи, расмиятпараст, бюрократ. *Бошқарма идорасига жойлашиб қолган икки-учта ўзбилармон тўранинг бебошлиги туфайли ишлар кетга кетганди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

5 Тўра (эркаклар исми).

ТЎРАЛАРЧА 1 Зодагонларга, аристократларга хос равишда. *Тўраларча кеккайиш.*

2 Расмиятпарастларга, бюрократларга хос равишда. *Сиз бу тенгсиз гўзалликка, бутун бир ўлканинг тақдирига тўраларча қўл силтамоқдасиз,* А. Мухтор, Чинор.

ТЎРАМИЖОЗ *айн.* **анғирт.**

ТЎРАЧИЛИК Ишга, ўз вазифасига расмиятчилик билан қараш, қуруқ расмиятпарастлик; бюрократизм. *-Энди, сиз қолибмидингиз тўрачилик қилмаган! — деди Турсуной.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Идора-бошқарув аппарати учун сансалорлик, тўрачилик.. тамомила ёт нарсадир.* Газетадан.

ТЎРВА Кичкина қопчиқ; халта. *Бўз тўрва. Бир тўрва ёнғоқ.* ▬ *Қўрбоши ҳам, тўрвасини йўқотган гадойдек, қушбегининг чап*

ёнига, Кумушбибининг юқорисига бориб ўтирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар хил асбоб-ускуналар солинган тўрвасини катта темирга илиб, обкашдай елкасига қўйиб олган челак тузатувчи гуркураган овози билан жимжит маҳаллага жон киргизиб борарди: -Чела-ак ту-за-та-ма-ан!* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тузлуқ тўрва *қ.* **тузлуқ**. **Тўрва қоқди** Охирги фарзанд, кенжатой. *Ҳайдар Абдураҳмон отанинг кенжа ўғли.. тўрва қоқди боласи эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Айниқса, Мавлон аканинг тўрва қоқдиси.. Нишонбой серхархаша.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТЎРИҚ Қора қизил, тўқ жийрон (от туси ҳақида). *Тўриқ от.* ■ *Отабек тўриқ йўрғани чиқариб, қутидорга тутди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Нигора?! — Шербек қизиб кетган тўриқнинг тизгинидан тортар экан, ўз кўзига ишонмагандек тикиларди. — Қайси шамол учирди?* С. Анорбоев, Оқсой.

ТЎРЛАМА Пўсти тўр билан қопланган, тўрлаб, етилиб пишган (қовун ҳақида). *Тўрлама шакарпалак.* ■ *Алижон бошмалдоғини найза қилиб, тўрлама қовунларни бир уриб учириб юборади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ТЎРЛАМОҚ 1 Ипни тўр шаклида кесиштириб тикмоқ, шу йўсинда тикиб, бирор юзани қопламоқ. *Пайпоқни тўрлаб ямамоқ.*

2 Тўр шаклида кесишган чизиқлар билан қопланмоқ, тўр ҳосил қилмоқ (етилган, пишган қовун ҳақида) (*қ.* **тўр** I **6**). *Шакарпалак тўрлай бошлабди.* ■ *Тарвузлар бир қучоқ, тўрлабди қовун..* Миртемир.

3 *кўчма* Умуман, шундай шаклни (тўр шаклини) олмоқ. [*Темир тоға*] *Тўрлаб кетган қадоқ қўлларини бир-бирига ишқаб, йигитларнинг кўзига тикилди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *У.. кўзойнагини қаншаридан олиб, кўкиш томирчалари тўрлаб кетган энгагини оқ рўмолча билан артиб қўйди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТЎРС Тунг, қўпол, дағал, қўрс. *Тўрс одам. Тўрс гап. Тўрс гапирмоқ.*

ТЎРСАЙМОҚ Қовоқ солмоқ, тумтаймоқ. *-Гапимга ҳеч қулоқ солишмайди, — деди тўрсайиб Раҳим.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Эрининг гапирмай, тўрсайиб бораётгани* [*Меҳринисанинг*] *юрагини сиқарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *-Ҳой яхшилар! Нега бундай тўрсайиб чиқиб кетяпсизлар!?* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ТЎРСИҚ 1 Меш, саноч. *Бир тўрсиқ қимиз.* ■ [*Бозорнинг*] *Қимирлашга дармони йўқ, ичида бир жойи ловуллаб ёнади, тўрсиқдаги илиқ сувни ичган сари, қора тер босади танини.* А. Мухтор, Чинор. *Бир кулбанинг соясида уч-тўрт кўчманчи қўлларида заранг коса ушлаб, қимиз тўла тўрсиқларни эзғилаб ўтирар эди.* М.Осим, Элчилар.

2 *с. т. ҳазил* Лўмбиллаган катта эмчак.

ТЎРТ 1 4 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Тўрт кун. Тўрт сўм. Тўрт килограмм. Тўртдан бир улуш. Ўндан тўрт ҳисса. Тўрт баравар оширмоқ.* ■ *Тўрт атрофда садоқатли дўстлар, ҳамфикрлар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ёнига тўрт нафар ясовул олиб, Султонали йўлга тушди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бой чой қоғозга ёзилиб, тўрт букланган хатни очди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Беш балли баҳо тизимида: аълодан кейинги яхши баҳо. *Ҳамма дарслардан тўрт олдим.*

Тўрт кўз тугал (*ёки* **тугаллик билан**) *қ.* **тугал**. **Тўрт кўз билан кутмоқ** *ёки* (**икки**) **кўзи тўрт бўлмоқ** *қ.* **кўз**. **Тўрт муча** *қ.* **муча 1**. **Тўрт оғайни** *қ.* **оғайни**. **Тўрт томонинг қибла!** *қ.* **қибла**.

ТЎРТБУРЧАК 1 *сфт.* Тўрт томони тенг бўлган; чорси, квадрат. *Тўртбурчак ҳовли.*

2 *айн.* **тўртбурчаклик**.

ТЎРТБУРЧАКЛИК *мат.* Қарама-қарши томонлари параллел, тўртта бурчакли геометрик шакл. *Тўғри тўртбурчаклик.*

ТЎРТИНЧИ 1 Тартиб қатори, ўрни 4 рақами билан белгиланган, 4 номерли. *Тўртинчи уй. Тўртинчи бет. Тўртинчи синф.* ■ *Ниҳоят, тўртинчи куни ов бароридан келди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Катта-кичик нарсаларнинг учинчидан катта, бешинчидан кичик ўлчами. *Тўртинчи калиш.*

3 *от, тар.* Октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларида, фуқаролик уруши йилларида большевикларга берилган ном (большевиклар Таъсис мажлисига сайловларга кўрсатилган номзодлар рўйхатида тўртинчи ўринда бўлган). [*Мухтор:*] *Бугун қўлга олинадиган тўртинчиларнинг рўйхати Тўрабекка топширилган. Тўрабек бу топшириқни бажара олмаса, эртага ишимиз барбод бўлади.* А. Раҳмат, Абдулла Набиев.

ТЎРТКЎЗ 1 Ит лақаби. *Бу итни биламан – Қосимжон бойваччанинг итлари, мени танийди.. Маҳ, Тўрткўз, маҳ! Ҳа, бетавфиқ, ювош эдинг-ку!* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

2 *с. т. дағл.* Кўзойнакли киши ҳақида.

ТЎРТЛАМЧИ 1 *шв.* Тўртинчи. *Тўртламчи гапим шуки..*

2 *кт.* Бирор нарса ёки ҳодиса жараёнида тўртинчн ўрин тутадиган, тўртинчи даражали ёки тўртинчи навбатда юзага келган, ҳосил бўлган. *Тўртламчи система (геол.), Тўртламчи давр (геол.).*

ТЎРТЛИК 1 *ад.* Тўрт мисрадан иборат, тугал мазмун ифодасига эга бўлган шеърий шакл; қитъа; мурабба.

2 Тўрт кишидан иборат бўлган гуруҳ. *Тўртлик мажлиси. Тўртлик комиссия.*

3 Тўртта холи бўлган карта. *Ғиштиннинг тўртлиги.*

ТЎРХАЛТА Тўр тўқиб ишланган, катак-катак кўзли халта. *Тўрхалта кўтарган аёллар дам у дўконга, дам бу дўконга ўзини уради.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *..қўлида катта тўрхалта тўла нарса билан илжайганча эшикдан Шаҳоб кириб келди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ТЎРҚОВОҚ Бедана ва б. сайроқи қушлар сақлаш учун ярим палла қовоқ пўчоғи ёки ёғоч гардишга тўр тўқиб ясалган қафас. *Чинор шохига илинган тўрқовоқдаги бедана бетиним сайрайди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Бу жимликни фақат боғларнинг чайлаларига осилган тўрқовоқлардан чиққан «вавағ, вавағ, питпилиқ, питпилиқ» садолари бузиб турар эди.* С. Айний, Қуллар.

ТЎРҒАЙ 1 Чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласига мансуб кичкина сайроқи кушларнинг умумий номи. *Дала тўрғай. Қора тўрғай.* ▬ [*Элмурод*] *Кўзларини қисиб, кўм-кўк осмонга қарар экан, қанотини дириллатиб, бир ерда сайраб турган тўрғайни кўрди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир шўх бўз тўрғай Ғуломжон бошидан кетмай ҳадеб бўзлар, нималардир сўзлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўзбек халқ мумтоз куйларидан бирининг номи.

ТЎС 1 Қайин дарахтининг эгарчиликда ишлатиладиган пўстлоғи.

2 Махсус қора бўёқ. *Шам қаршисида қизарган шаҳло кўзлари, ёш билан синган жингила киприклари, чимирилган тўсдек қора қошлари уни* [*Кумушни*] *аллақандай бир ҳолга қўйган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Қора, қоп-қора. *Йигит тўс мўйловини ҳимариб кулди.* Ҳ. Назир, Қанотлар.

ТЎСАТ *кам қўлл. қ.* **тўсатдан**. *Пайдо бўлди тўсат бир чол ва бир ит.* Т. Тўла. *Бўрон турса тўсат ёки дўл, жала.* Миртемир.

ТЎСАТДАН *рвш.* **1** Хаёлга келмаган ҳолда; кутмаганда, кутилмаганда. *Тўсатдан меҳмонлар келиб қолди. Тўсатдан қаттиқ шамол турди.* ▬ *Эшик тўсатдан қаттиқ итарилди. Узоқда Шоқосимнинг ким билан дир хириллашгани эшитилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бошимга биров тўсатдан катта бир калтак билан ургандек бўлди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

2 Ғайриихтиёрий равишда, бехосдан, бирдан. [*Йигит*] *Тор кўчанинг ярмисига етгач, тўсатдан орқасига қайрилиб қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўсатдан оёқларидан мадор кетиб, қалтирай бошлаганини сезди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Сездирмай туриб бирдан, дабдурустдан. *Бешиктерват ўлжаси яқинлашиши билан тўсатдан, яшин тезлигида сапчиб, уни ушлаб олади.* «Фан ва турмуш».

ТЎСИН Иморатнинг ва, умуман, ҳар қандай қурилма ёки иншоотнинг томи, ораёпмалари, полига кўндаланг солинган бақувват ёғоч, темир ёки бошқа нарса. *Ёғоч тўсин. Темир тўсин.* ▬ *Ёнидаги йигит.. ўзини сувга ташлади, кўприк тўсинига илинган жасадни йигитлар ёрдамида қирғоққа чиқарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ўрмондан келтирилган тўсин ва ёғочлардан ерости бостирмалари тайёрланмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЎСИНБОП Тўсинга ярайдиган, тўсин бўладиган. *Тўсинбоп ёғоч.*

ТЎСИНДАН *айн.* **тўсатдан.** *У тўсиндан бетоб бўлиб қолди.* ▬ *Ғўзалар ерда тўрт энлик кўтарилиб, дала бўйлаб кўм-кўк чизиқлар кўзни қувонтирганда, бир вақт, тўсиндан ҳаво айниди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТЎСИНЛИ Тўсини бўлган. *Ўн бир тўсинли уй.*

ТЎСИНЛИК *айн.* **тўсинбоп.** *Тўсинлик ёғоч.* ▬ *Биз қишлоққа тушиб, тўсинлик терак топамиз.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ТЎСИҚ 1 *от* Йўлни тўсиш, бекитиш, иҳота қилиш ёки икки жойни бир-биридан

ажратиш учун ясалган қурилма; ғов, иҳота. *Чий тўсиқ. Ҳарбий тўсиқ. Сув тўсиқдан ошиб ўтди.* ▬ *Ҳадемай, шох-шаббалардан катта тўсиқ ҳосил бўлди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Шифтгача етиб бормаган фанер тўсиқ орқали гаплар баралла эшитиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Танклар унча-мунча тўсиқни назар-писанд қилмай, даҳшат ва ишонч билан масофани қамрарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Тўсқинлик, қаршилик; тўғоноқ, ғов. *Тўсиқ бўлмоқ.* ▬ *Ҳаёт нашидаси шу кураш, хавф-хатар, тўсиқларни енгиб ўтиш, интилиш борлиги учун ҳам қизиқ, лаззатли.* С. Нуров, Нарвон.

3 *сфт.* Тўсилган ҳолатли, тўсиб қўйилган. *Тўсиқ йўл. Ҳовузнинг атрофи тўсиқ.*

ТЎСИҚЛИ Тўсиб, ажратиб қўйилган, тўсилган; тўсиқ. *Тўсиқли йўл.* ▬ *Элмурод чий тўсиқли айвон олдидан аста одимлаб, ўз ҳужрасига ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи,

ТЎСИҚЛИК *кам қўлл.* Тўсқинлик, қаршилик, монелик. *Тўсиқлик қилмоқ.* ▬ *Дадаси ўз сўзли, вақти келганда, ҳар қандай монеликни яксон қилувчи забардаст кекса бўлганидан, унинг қизга уйланишига тўсиқлик қилиш мумкин эмаслигини англади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎСИҚСИЗ 1 Тўсилмаган, очиқ. *Тўсиқсиз йўл. Тўсиқсиз ҳовли.*

2 Ҳеч қандай қаршиликсиз, монесиз. *Тўсиқсиз иш.* ▬ *Бўлинма бир ярим километрча тўсиқсиз, отишмасиз йўл босди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

Тўсиқсиз эргаш гап *тлш.* Бош гапнинг мазмунига зид, аммо унга тўсиқ бўла олмайдиган мазмунли эргаш гап.

ТЎСМОҚ I **1** Тўсиқ қуриб, ғов солиб, ўтиб бўлмайдиган қилмоқ, бекитмоқ ёки иккига ажратмоқ. *Дарёни тўсмоқ. Ҳовлини чий билан тўсиб олмоқ.*

2 Тўсқинлик қилмоқ, йўлига ғов бўлмоқ, йўналишига тўсиқ бўлмоқ; ўтказмай қўймоқ, тўхтатмоқ. *Баҳор қўлларини кўтариб, кичкина нам кафтлари билан ғир-ғир шабадани тўсди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. *-Ўғил, қандай бўлмасин, отанинг қули бўлади, — элликбоши бойваччанинг олдини тўсди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сизга ўхшаш даллолларга ҳожат йўқ. Мен сизни хўп синаганман. Сиз халқ бўронини тўсмоқчимисиз?* Ойбек, Танланган асарлар.

Йўлини тўсмоқ 1) йўл бермай тўхтатмоқ; ўтказмай қўймоқ. *Сув йўлини чим босиб тўсдик.* ▬ *-Керак эмас, кира кўрманг! — йўлни тўсди Ҳури.* Ф. Мусажонов, Ҳури; 2) *кўчма* қаршилик қилмоқ, монелик кўрсатмоқ, тўғоноқ бўлмоқ, тўғоноқ солмоқ. *Биз тантанали, қизғин, ғайратли, оммавий иш бошлаш билан ҳамма иғволарнинг йўлини тўса оламиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 3) йўлтўсарлик қилмоқ. *Бу ерларда мени ёлгиз билдингми? Йўл тўсмоқчи бўлиб, чиқиб келдингми?* «Ёдгор».

3 Пардалаб, пана қилиб бекитмоқ, пардаламоқ, паналамоқ. *Саҳнани қизил духоба парда тўсди.* ▬ *Ғуломжон қизнинг чап қулоғини тўсиб турган жингалак зулфига тикилиб тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Чайла эшигини шинели билан тўсиб.. титраб-қақшаб гугурт чақди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТЎСМОҚ II Чақалоқни, ёш болани ҳожат учун қулай вазиятда тутиб, ушлаб турмоқ.

ТЎС-ТЎПОЛОН Беҳад тартибсизлик, бесаранжомлик, ур-йиқит, жанжал-тўполон. *Тўс-тўполон қилмоқ. Тўс-тўполонини чиқармоқ.* ▬ *Бола-чақалар бўлмаганидан, уйлари бизникига ўхшаш тўс-тўполон эмас — йиғинчоқли..* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ойпошша қайтиб келмади. Тўс-тўполон бошланди. Ойпошшангш қочгани тўғрисида эрталаб дув-дув гап тарқалди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир муддат ўтар-ўтмас, даштда тўс-тўполон кўтарилди, отлар кишнар, қиличу қалқонларнинг шарақ-шуруғи, бақириқ-чақириқлар авжга чиқди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТЎС-ТЎС: тўс-тўс бўлмоқ Ҳар ён тарқалмоқ, сочилмоқ, қочмоқ, тумтарақай бўлмоқ. *Додҳо қуён инини ижарага олгач, бошқа «катта»лари ҳам тўс-тўс бўлиб кетди.* Ҳ. Шамс, Душман. **Тўс-тўс қилмоқ** Ҳар ён тарқатмоқ, қочирмоқ, сочмоқ, тумтарақай қилмоқ.

ТЎСҚИН Бирор иш-ҳаракат, чора-тадбир, ният ва ш.к. га ғов бўлиб тушган, халал бераётган, тўғоноқ солувчи (нарса) қаршилик, тўсқинлик. *-Орзуларим бор, журналист бўлишни истайман — деди, — лекин дардисар тирикчилик тўсқин,* Ойбек, Нур қидириб. *Бизга ҳам тўсқин бўлишлари мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТЎСҚИНЛИК Тўсқин, ғов бўлувчи ҳолат, вазият, нарса. *..музокаралар бошлашни истаса, бундай музокараларга келишув учун ҳеч қандай тўсқинлик йўқ.* Газетадан. *Дониёров.. участкадаги ҳамон судралишга сабаб бўлаётган асосий тўсқинликларни исботлай бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Тўсқинлик қилмоқ (*ёки* **кўрсатмоқ**) Тўсқин бўлмоқ, қаршилик кўрсатмоқ. *Инсоннинг эркига тўсқинлик қилиш ҳам, унинг истак ва интилишини поймол қилиш ҳам ваҳшийлик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..мусулмонларга қадамжоларни зиёрат қилиш учун тўсқинлик кўрсатишмайди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шундай раислар бор, илғорларга суянади, яхши ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Бизнинг раис тўсқинлик қилишдан бошқани билмайди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ТЎСҚИНЧИ 1 Йўл тўсувчи; йўлтўсар, қароқчи.

2 Умуман, тўсқинлик, қаршилик қилувчи. *Меҳнат қўли-ла ҳадсиз Ер сийнаси кулди. Тўсқинчи, ғаним, душман Йўқликқа сурилди.* Ғайратий.

ТЎСҚИНЧИЛИК 1 Тўсиш, йўлтўсарлик, қароқчилик. *Кечалари тўсқинчилик қилмоқ.*

2 *айн.* **тўсқинлик.** [*Тўлаган*] *Мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланишга ва йўқ имкониятларни яратишга нималар тўсқинчилик қилаётгани тўғрисида гапириб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Вой, ўзингиз ўқиган одам бўла туриб, озодликка тўсқинчилик қиласизми?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ТЎСҚИЧ 1 Тўсиқ қилиб қўйилган (нарса). *Каримов Норбувини тўхтатди. Кўприкнинг икки ёнига қоқилган эгри, ёғоч тўсқичига суяндилар.* Ҳ. Шамс, Душман. *Машиналарнинг ғилдираклари кўприк четига қоқилган тўсқич ходаларга қадалиб тўхтади.* «Шарқ юлдузи».

2 *эск.* **клапан 1, 3.**

ТЎСҚОВУЛ *эск.* Қоровул, соқчи, *Сен Чамбилнинг тўсқовули йўқ кўчаларини биласан.* «Бўтакўз». *Деди: ҳар кимнинг эрки ўз қўлида, На ғов, на тўсқовул бордир йўлида.* Ҳабибий.

ТЎТИ [*ф.* طوطى] **1** Тропик ўрмонларда яшайдиган, кўпчилик тури чиройли, ранг-баранг патли қуш. *Илҳом самоварчи одамни кўпроқ чақириш учун тўти сақлагандай, Ҳожи бобо уста Салимни тўти қилиб боқар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Тоғлардаги оҳулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфт яшайдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Жуда гўзал, нозанин аёл ҳақида. *Қизлар мажлиси гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир қиё боқдим, илиндим тўтининг занжирига, Ҳеч илож тополмадим парвардигор тақдирига.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Тақлидчи, ўзганинг гапини такрорлайдиган шахсга нисбатан қўлланади.

4 Тўти (хотин-қизлар исми).

ТЎТИДАЙ, -дек 1 Тўтига ўхшаш, тўти сингари. *Тўтидай бировнинг гапини қайтармоқ.*

2 *кўчма* Жуда чиройли, гўзал аёл ҳақида. *Иккита тўтидек хотинингиз бек акам учун сочини тараб ўлтирадир.. тагин қанақа каму кўст?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Оҳ, агар менинг ҳам болам бўлса эди, тўтидек қилиб ясантириб қўяр эдим-да, бағримга босиб-босиб эмизардим.* Уйғун, Турсуной.

ТЎТИЁ [*ф.* توتيا – мис зангидан ҳосил бўлган кристалл] **1** Мис купороси (тиниқ кўк йирик кристаллардан иборат модда, мис сульфат).

2 *эск.* Эски вақтларда кўз оғриғига қарши ёки кўзни равшан қилиш учун кўзга суртиладиган дори.

Кўзга тўтиё Жуда азиз, муқаддас ёки ноёб нарса ҳақида. *Тупроғинг кўзимга тўтиё бўлсин.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Тўтиё қилмоқ** Тўтиёдек кўзга суртмоқ, эъзозламоқ. *Тўтиё қилсам муқаддас тупроғини, не ажаб, Ўйласам, роҳат топар ҳар лаҳза жоним, ассалом.* Ҳабибий. *Мен нечун севаман Ўзбекистонни, Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё?* А. Орипов, Юртим шамоли.

ТЎТИҚУШ *айн.* **тўти**. *Фақат кенжатойи индамайди.. отасининг олдига келади: -Дада, тўтиқуш олиб беринг.* С. Нуров, Нарвон. *У не деса тўтиқўш монанд, Мен ҳам тилга жо қилармишман.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ТЎФОН [*а.* طوفان – кучли сув тошқини; зўр ғавғо, тўполон] **1** Шиддатли бўрон, довул. [*Нормат*] *Икки кечагача уйқу ололмади, кўзини юмса, тераклнинг шовуллаши тўфон босиб келаётгандай кучаяверди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..шунча бўрон, сел ва тўфонларга бардош берган тоғ кичкина бир*

махлуқ [*сичқон*] *олдида бағри тешилиб, чилпарчин бўлади.* У. Исмоилов, Сайланма. *Тўфонларни севувчи Нуҳим, Сукунатга қулоқ солсанг-чи.* А. Шер.

2 *кўчма* Алғов-далғовли, ларзага солувчи, шиддатли хатти-ҳаракат, қўзғалиш. *Унутманглар, амир лашкарлари ортида ғазотталаб муллаваччалар туради. Бу катта тўфонга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ким мақсадга етаман деса, балолар тўфонига бардош беради, сабот билан курашади.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

3 *кўчма* Руҳий, ҳиссий қўзғалиш, туғён. *Инсон қалбида не-не бўронлар, тўфонлар, шодликлар пўртана қилади.* «Саодат». *У қарама-қарши ўйлар тўфонида ғарқ эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 Диний афсоналарга кўра, одамларнинг гуноҳи учун бутун дунёни босган сув тошқини.

ТЎФОНЛИ Тўфон билан бўлган; бўронли. *Тўфонли денгиз.* ▬ *Оловли шар юқорига кўтарилар экан, ўрнида тўфонли баҳайбат кулранг-оқиш устун ҳосил бўлар эди.* Газетадан.

ТЎХТА *айн.* **тувалоқ.**

ТЎХТАЛМОҚ 1 Тўхтамоқ фл. ўзл. н. *Иш тўхталмасин. Унинг нафас олиши тўхталди.* ▬ *Абдурасул Элмуродга нима тўғрисидадир сўз очган эди, тўхталиб, жавоб қайтаришга мажбур бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **тўхтамоқ 6.** *Тошкент беклиги тўғрисида кўп музокарадан кейин Юсуфбек ҳожи ўз яраси устида тўхталди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тўхталиб гапирмоқ Дудуқланиб ёки тутилиб гапирмоқ.

ТЎХТАМ 1 Қарор, ҳукм. *Хўжабеков кейинги вақтда кўп ўйлади. Ниҳоят, «Шербек жиддий хавфли рақиб» деган тўхтамга келди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Аҳмаджон чарчади. Аммо тобора чувалашиб кетаётган хаёлига бирор қатъий тўхтамга олиб келадиган фикр келмади.* С. Кароматов, Ҳижрон.

2 Битишув, келишув, битим. *Тошкентдалигимда ташкилотимизнинг бошқа раҳбарлари билан шундай тўхтамга келдик.* А. Ҳакимов, Илон ишдан.

ТЎХТАМОҚ 1 Давом этмай қўймоқ, давомдан қолмоқ. *Иш тўхтади. Гап тўхтади. Отишма тўхтади. Шамол тўхтади. Ёмғир тўхтади. Сув тўхтади.* ▬ *Оёқ товуши тўхтаб, нариги ёқдан уста Олимнинг товуши келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Вужудини қақшатиб турган тиш оғриғи бирдан тўхтагандай, Сидиқжоннинг кўзи ялт этиб очилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тўхтаб қолган, қовжираган булоқлар Шарақ-шарақ яна қайнаб чиқмишдир.* Ғайратий.

2 Ўз ишини, ҳаракатини, фаолиятини бас қилмоқ, юрмай, ишламай қўймоқ. *Соат тўхтади. Вентилятор тўхтаб қолди.* ▬ [*Отабек*] *Икки йилдан бери тўхтаб қолган савдогарчилик ишини қайтадан бошламоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўлчи санқиб юриб, анҳор ёқасида тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Иш-фаолият, ҳаракатда узилиш қилмоқ, тўхтам ҳосил бўлмоқ. *Элмурод отинойининг дўқи билан йиғидан тўхтади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шарофатхон, бир зум тўхтаб, атрофга қаради, сўнг товушини пасайтириб давом этди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Орада ётсирашга ўхшаш бир ҳол, нима учундир бир сўзлаб, икки тўхтар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Сафарда, йўлда бирор ерга қўнмоқ, тушмоқ; қўнган, тушган, борган ерида маълум вақт бўлмоқ, турмоқ. *Батальон ярим кечада хароба бир қишлоққа келиб тўхтади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У* [*Отабек*] *Марғилонда кўп тўхтамас, бир кун, узоққа тортилса, икки-уч кун туриб қайтар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Туриб қолмоқ, сақланмоқ. *Унинг қўлида пул ҳеч тўхтамайди. Керакли мол магазинда тўхтаб қолмайди. Сув қаттиқ ерда тўхтар.* Мақол.

6 Қарор қилмоқ, қарорга, тўхтамга келмоқ. *Шундай қилиб нимага тўхтадинглар?* ▬ *Биз шу ердаги оғайнилар билан кенгашиб, бир гапга тўхтаб қўйдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 *кўчма* Оғизга, тилга олиб ўтмоқ, тўхталмоқ. *Мен бир масала устида муфассал тўхтамоқчиман.* ▬ *Лекин, ўртоқлар, мен ҳам қисқача тўхтаб ўтмасам, тарс ёрилиб кетаман.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Рўзномадаги асосий докладлар устида сўзлаган нотиқлар кўпроқ ижодий масалалар устида тўхтадилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

8 *махс.* Ҳомиладор бўлмоқ, қочмоқ (чорва моллари ҳақида).

9 Сабр қилмоқ, кутмоқ. *Майли, яна бирикки кун тўхтаб туринг!* ▬ *-Тўхтанг бўлмаса, — деди, — мен бир иш қилайки.. аммо шу дақиқадан бошлаб ихтиёрингизни менга топширинг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎХТОВСИЗ 1 Узлуксиз ҳолда; бетўхтов. [*Искандарнинг*] *Қизига икки йилдан бери, эшикларининг турмини бузадигандай, тўхтовсиз совчи келади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Тўхтовсиз бўраб ёғиб турган қордан ер тобора оқараётган пайтда, Элмурод қоронғи уйда ёпирилиб қўнаётган қор учқунларини томоша қилар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кечиктириб бўлмайдиган, бетўхтов, ошиғич. *Тўхтовсиз жавоб. Тўхтовсиз етиб келинг. Буйруқни тўхтовсиз бажаринг.* ▬ *Агар қочмаганларида, подшо уларни тўхтовсиз ўлдириб юборар эди.* «Эртаклар».

ТЎШ 1 Гавданинг бўйин билан қорин ўртасидаги олд қисми; кўкрак. *Тўшни тўшга қўймоқ.* ▬ [*Зебо*] *Ойнага қараб, ўзини тузатди. Дуррачаси билан тўшига ёпишган кўйлагини сал кўтариб елпиди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Болам, деб босайин тўшима, Келгин, болам, чаққон қошима.* «Рустамхон». *Айтинг, нима қилай?? Қизингизни тўшига тортган номард мени масхараламайдими?* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Мол ва қушларнинг кўкрак қисми, кўкраги. *Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан.* Мақол. ▬ *Тагидаги қўнғир от қишлоқ кўчасидан тўшига тупроқ сачратиб йўртиб боряпти.* М. Мансуров, Ёмби.

3 Ҳайвон ва паррандаларнинг кўкрак олди гўшти, қовурғалардан қолган қисми. *Норинбоп тўш. Тузланган қўй тўши.* ▬ *Афанди ғознинг тўшини олиб айтди: -Мен хизматдаги қулман.. шу ҳам бўлади.* «Латифалар». *Лаганда самарқандча майиз палов бўлиб, ош устига тўш ва қази қўйилган.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

4 *кўчма* Бирор нарсанинг кўкракка ўхшаш, кўкракка нисбатланувчи, кўкракли ери; сийна, бағир. *Она тупроқ тўшига инсон қўли билан илк чигит доналари қадалди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Сени ўраб олган тоғлар тўшига Тўлин ой ёймоқда кумуш кокилин.* Зулфия.

Тўш урмоқ (*ёки* **бермоқ**) 1) тўшини теккизмоқ, бағрини бермоқ, қўймоқ. *Диловархўжа тўш бериб ётган еридан ирғиб турди.* Шуҳрат, Олтин зангламас. *Тўлқинга тўш уриб қалдирғоч, Сув устида этади парвоз.* Э. Раҳим; 2) бирор юксакликка етмоқ, уринмоқ. *Булутга тўш урган юксак тоғлар ҳам Буюкликни сендан олар, онажон.* М. Умаров.

4 *шв.* Тенгқур; дўст, ўртоқ. *Етимда не қилар тенг билан тўшлар.* «Равшан». *Топиб ўйнагил, эй бола, Ўзингнинг тенгу тўшингни.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ТЎШАК 1 Жун, пахта сингари юмшоқ нарса солиб тикиб тайёрланган, ётиш, ўтириш учун тўшаладиган буюм, анжом. *Пар тўшак. Жун тўшак. Духоба жилдли тўшак. Ўз уйим — ўлан тўшагим.* Матал. ▬ *Дилшод токча ёнидаги тўшакка ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тўй учун янги кўрпалар қопламоқчи бўладилар, пар тўшаклар олмоқчи бўладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ётиш учун солинган ўрин; ост ва устга ташланадиган (солинадиган) нарса. *Чала ечиниб, юпқа тўшакка кирдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Тор уйни тўлдирган аҳил, тинч уйқу оғушидан ҳаммалари бир зумда, гўё тўшакни олов қамрагандай сакраб турдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Зуҳра бегим олти йилдан бери тўшакда ёлғиз ётади. Унинг гулдай умри беваликда сўлиб боряпти.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *шв.* Кўрпача, пойандоз.

Ўлим тўшаги Соғайиши гумон, ўлими муқаррар бўлган бемор ётган тўшакни қайд этади. *Одатда, ўлим тўшагидаги бемор ётган хонада шунақа жимлик бўлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У* [*Саъди Махсим*] *ўлим тўшагида ётганида ҳам ҳазилини қўймаган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ТЎШАМА Бирор юзага тўшалган, солинган, ётқизилган нарса, қатлам. *Похол тўшама. Ботқоқ йўлга босилган шох тўшама.* ▬ *Қалин қўй қийлари ўрнидан қўзғатилиб, устига янги тўшама сепиб қўйилган.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *У* [*Ойниса хола*] *қуртларни овқатлантириш, тўшамаларини янгилаш жадвалини кўриб чиқди.* А. Мираҳмедов, Ёт юраклар.

ТЎШАМОҚ 1 Тўшама солмоқ, босмоқ, ётқизмоқ, тўшама билан қопламоқ. *Кўчага тош тўшамоқ. Ботқоқ йўлга шох тўшамоқ.* ▬ *Адёлга газета тўшаб, мастава ичишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Очил би-*

лан Мадумар ертўла кавлашни буюришди, ерга хашак тўшашди. А. Мухтор, Чинор.

2 Солмоқ, ёзмоқ (ўрин, палос ва ш.к.ни). *Умри хола қизи билан менга ўрин тўшаб берди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. *Бозоров.. магазин рўпарасига, ариқ бўйидаги сўрига қизил гилам, иккита кўрпача тўшаб, тўртта пар ёстиқ ташлаб қўйибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ойдинда у* [*жувон*] *ўзига супа ўртасига ўрин тўшаётганини кўриб турибман.* С. Аҳмад, Таъзим.

3 *кўчма* Бирор нарсани шундай тўшамаларга нисбатлаб ифодалайди. *Қор бўрони.. ер юзига бир ярим қарич оппоқ қор тўшаб.. ўз ишини тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нишаб бўлиб борган ва охири осмон билан туташган Навоий кўчасига кун ботишдаги иморатлар узун соя тўшаб турарди..* П. Қодиров, Уч илдиз. *Шу кўзлар юлдуздай абадий кулсин, Баҳор йўлларингга тўшасин чечак.* Зулфия.

ТЎШДОР Тўши, кўкраги кенг, кўкракдор, тўшли, кўкракли. *Тўшдор йигит.*

ТЎШЛИ 1 Тўши, кўкраги бўлган. *Қора тўшли қалдирғоч, Уй шипига ин қўйди.* «Қўшиқлар».

2 *айн.* **тўшдор.**

ТЎШОҒЛИҚ Тўшалган, тўшаб, солиб қўйилган; солиғлик. *Деворга қадалган тахта каравотларга юпқа тўшак тўшоғлиқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТЎҚ I 1 Овқатга бўлган талабини, нафсини қондириб, тўйиб овқатланган, овқат еб олган. *Тўқ бола. Тўқ моллар. Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ.* Мақол. ▬ *Таомни тугатиб, қизлар тўқ ва шод, қўшниларникига, дугоналариникига копток ўйнагани чиқиб кетдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

Тўқ тутадиган Қоринни яхши тўйдирадиган; тўйимли, жирли. *Одамни тўқ тутадиган хушбўй ва ширин Тошкент совғаларини маза қилиб едик.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Ҳеч нарсадан муҳтожлиги йўқ, егулик-ичгулик билан яхши таъминланган. *Тўқ хўжалик.* ▬ *Гўрўғли ўзбек-туркман элини боқиб, очига нон бериб, тўқидан закот олиб ёта берди.* «Нурали». *Турмуш оғир, қимматчилик, ҳаммаси ўзингизга маълум. Тўқларнинг иши йўқ, дардимиз кўп.* Ойбек, Болалик.

3 Мағзи, ҳосили етарли бўлган; тўлиқ, бўлиқ, бўлали. *Тўқ ёнғоқ. Тўқ пилла.* ▬ *Кўраги мўл, толаси пишиқ, чигити тўқ бўлсин десанг, шундай* [*барвақт ҳаракат*] *қил.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал. *Дон етилиши кечикди, дон тўқ бўлмади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 *кўчма* Керакли нарса, моддалар билан тўйинган; бақувват, кучли. *Ер жуда тўқ, шу шарбатни ҳазм қилсаям ҳали..* Ойбек, О.в. шабадалар.

5 Қорага ёки умуман қуюқ рангга мойил, қуюқ (ранг, тус ҳақида). *Тўқ ранг. Тўқ қизил духоба.* ▬ *Осмон тўқ сариқ булут билан қопланган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кўзи тўқ Кўз олдида, ҳаётда нарсанинг мавжудлигини, шу туфайли ўзини тўқ ҳис этишни билдиради. *Худога шукур, оч бўлсак ҳам, кўзимиз тўқ.* Н. Сафаров, Наврўз. **Кўнгли тўқ** *қ.* **кўнгил**. *..куёв йигит тўғрисида ҳам Нурининг кўнгли тўқ эди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Қорни тўқ одамнинг кўнгли тўқ бўлади..* С. Сиёев, Ёруғлик.

(Мендан) қорнингиз тўқ экан Кимсанинг айтмоқчи бўлганини бошқа киши олдинроқ айтганда ишлатиладиган ибора. *Мен ҳам худди шуни айтай деб турган эдим, мендан қорнингиз тўқ экан.*

ТЎҚ II *тақл. с.* Бўшроқ нарсаларнинг урилишидан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Қози уларнинг кўкариб кетган юзларига бир зумгина хўмрайиб тургач, қўлидаги ҳасса билан олдиндаги столни тўқ эткезиб урди-ю: -Йўқол! — деб қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЎҚА Камар, тасма ва ш.к. нинг учини ўтказиб тақиладиган қисми. *Мис тўқа. Камар тўқаси. Бўзчи белбоққа ёлчимас, темирчи — тўқага.* Мақол. ▬ *Тилладандир ёқаси Олтин отнинг тўқаси.* «Равшан».

ТЎҚАЙ 1 Қамиш, чангал ва ш.к. ўсимликлар ўсиб ётган, одатда, захкаш ер. *Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.* Мақол. ▬ *Мавлон ака анави куни Султонбой билан тўқайга бориб, «қўқон арава»сига қамиш босиб келди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Сидиқжон болани бағрига босганича, бир-бирига киришиб кетган буталар, шохлар орасидан оёғи ва елкаси билан йўл очиб,*

тўқайнинг ичкарисига бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма с. т.* Шундай ҳолат олган жойга нисбатан қўлланади. *Ҳовлимиз тўқай бўлиб кетибди.*

ТЎҚАЙЗОР *айн.* **тўқай 1**. *Атрофдан оғочлар, ўтлар, тўқайзорлар орасидан у қичқириқ, дод, инграш эшитди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТЎҚАЙИСТОН *кам қўлл.* Тўқай кўп ер; тўқайзорлик. *Қалмоқ юртин назар солиб кўради, Тўқайистон ерда кетиб боради.* «Алпомиш»

ТЎҚАЙЛИК Тўқай босган ер, тўқайзор, тўқай. *-Олдимда бир тўқайлик пайдо бўлиб қолди. Тўқайнинг ичида ёлгиз йўл бор экан, — деди Шум бола.* F. Fулом, Шум бола.

ТЎҚАЛИ Тўқаси бор, тўқа тақилган. *Қора тўни устидан елкасига қадимги ўқдонларини осган, белига қадимги кумуш тўқали қалин камарини боғлаган..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЎҚИЛЛАТМОҚ Тўқ-тўқ овоз чиқармоқ. У [*Мўтилал*] *қўлтиқтаёғини тўқиллатиб, вокзалдан чиқди.* Мирмуҳсин, Мўтилал. *Чол ҳали тиззасидаги маҳсини тўқиллатиб уриб қўяр, ҳали сув пуркар, ичида китобдаги гапларнинг магзини чақар эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТЎҚИЛМА *айн.* **тўқима.** *Хаёли янги асарнинг тўқилмаси билан овора эди.* Ойбек, Навоий.

ТЎҚИМ 1 Жазлиқ ёки эгар остига қўйиладиган, одатда кигиздан қилинадиган отулов абзали. *Кигиз тўқим. Эшакка — тўқим, одамга — либос.* Мақол. ▬ *«Оқтой»нинг устида эски олача кўрпачадан тўқим, суяк қоши учиб кетган эгар, қандайдир дарвоза ҳалқаси илинган узанги.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Соқи дарҳол Сариқ саманга якка тўқим солиб, жуганлаб, миниб чиқиб кетди.* «Бўтакўз».

Тўқим урмоқ 1) от-уловга тўқим солмоқ; тўқимламоқ. *Тойга тўқим урмоқ;* 2) *кўчма* бирор нарса ўтказиб, миннатдор қилиб ёки бошқа бирор йўл билан ўзига тобе, қарам қилиб олмоқ. *Ер — сизники, деганимиз сизга тўқим урганимиз бўладими ҳали?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *шв.* Тандир ёки ўчоқнинг намат ёки матодан қилинган ёпиғи.

Тўқим табиат Ҳеч нарсанинг маъносига, фарқига бормайдиган, диди йўқ, дидсиз, бефаросат. *Дунёда энг азоб тирикчилик — қалби нурсиз, шуурсиз, тўқим табиат кишилар билан бирга ишлаш ва мулоқотда бўлишдир.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

3 (*3-ш. эгалик қўшимчаси билан*) *кўчма* Кийиниш ва б. жиҳатдан қиёфаси. *Қарасам, тўқими ўзгарган: қошларида ўсма, кўзларида сурма.. бўйнини дока билан боғлаб олибди. «Нима қилди, томоғинг оғридими?» десам, «Эшик қисиб олди», деб хир-хир кулади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Азимхўжаев катта кўчанинг оғзида турса, тўқими бошқачароқ бир жувон келаверди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТЎҚИМА 1 *сфт.* Тўқиб ясалган, тўқилган. *Шавкат Зокир билан индамай кўришдида, тўқима стулни четроққа суриб ўтирди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Тўқима шляпа кийган Раъно онасининг кўзига бошқача кўриниб кетди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

2 *от. махс.* Газмол, газлама. *Шойи тўқималар. Тўқималар виставкаси.*

3 *от биол.* Ўзаро боғланган ва организмда белгили бир ҳаётий вазифани бажарадиган ҳужайралар тизими. *Нерв тўқималари. Суяк тўқималари.* ▬ *Дарвоқе, оғриққа чидамли ва чидамсиз ҳужайралар ҳамда тўқималар бўлади.* «Фан ва турмуш».

4 *от ад.* Бадиий асарнинг асосий мазмунини ва ундаги қаҳрамонларнинг характерини очиб берадиган, ўзаро узвий боғланган воқеа-ҳодисалар мажмуи, тўқилма, сюжет. *Уйғур постановкага халқ шоири — баёнчи ролини киритди, баёнчи ҳар бир кўриниш олдидан, тингловчиларга воқеа-ҳодисалар, Фарҳоднинг саргузаштлари тўғрисида сўзлаб бериб, пьеса тўқимасини тўлдириб борди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

5 *сфт.* Йўқ ердан тўқиб, ўйлаб чиқарилган; уйдирма. *Тўқима гап. Тўқима образлар.* ▬ *Уни ўқиб, дастлаб кўплар ҳайратга тушган, бу воқеани шунчаки тўқима, фантазия деб ўйлаган эди.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Афсуски, сценарий муаллифлари ва постановкачи-режиссёр ижодий тўқимага ҳаддан зиёд ўрин бериб, қаҳрамон бошидан кечирган чинакам реал жанговар эпизодлар ўрнига, тўқима, ясама ҳолатлар киритишган.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

ТЎҚИМАЧИ 1 Тўқимачилик саноатининг ишчиси, мутахассиси. *Қашқадарёлик пахта тозаловчилар Иваново тўқимачиларига дастлабки туркум тола жўнатдилар.* Газетадан.

2 Газмол тўқувчи ишчи ёки ҳунарманд.

3 *кўчма с.т.* Йўқ ердан гап тўқувчи, уйдирмачи. *Тўқимачи одам.* ▬ *Сўзлар худди тўқимачи шоирникидай қуйилиб, бир-бирини бежаб тушади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТЎҚИМАЧИЛИК 1 Тўқимачи иши, касби. *Тўқимачиликни эгалламоқ.*

2 Газмол тўқиш ва ишлаб чиқариш ҳамда халқ хўжалигининг шу иш билан шуғулланадиган тармоғи. *Ўзбекистонда тўқимачиликнинг юзага келиши ва ривожланиши. Тўқимачилик саноати. Тўқимачилик комбинати.*

3 *айн.* **тўқувчилик**. *Меҳмонхона айни замонда дўконхона ҳам бўлиб, пойга томонида тўқимачилик дўкони.. бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

4 *кўчма с.т.* Йўқ ердан гап тўқиш, ёлғон-яшиқлар уйдириш; уйдирмачилик. *Тўғонбек бу сўзлардаги киноями тушунди: -Ундай тўқимачиликка берилманг, — деди.* Ойбек, Навоий.

ТЎҚИМЛАМОҚ От-уловга тўқим урмоқ, тўқим солмоқ. *Отни тўқимлаб минмоқ.* ▬ *Эшакнинг бирини тўқимлаб, устига нон, сув идиши ва битта коса солинган хуржунни ортдилар.* С. Айний, Қуллар.

ТЎҚИМОҚ 1 Тўқима газмол ёки буюм ясамоқ, тайёрламоқ. *Чит тўқимоқ. Пайпоқ тўқимоқ. Замбил тўқимоқ. Тўқилган рўмол. Мулла билганин ўқир, Бўзчи билганин тўқир.* Мақол. ▬ *Элликбоши майин тўқилган чакмонини ечди, тухумдай силлиқ ва оппоқ салласини олиб, қозиққа илди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзинг тўқиб кетган катта саватда Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман.* Ғ. Ғулом.

2 *кўчма* Ижод этмоқ, ёзмоқ; басталамоқ. *Шеър тўқимоқ. Қўшиқ тўқимоқ.* ▬ *Сўзини ўзим ёзганман, оҳангини Анорхон тўқиди.* И. Раҳим, Ихлос. *Вой, у чалган дуторни, тўқиган ғазалларни эшитсангиз!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Санъаткор фақат қизиқчиликларнигина эмас, балки кичик кулгили ҳикояларни ҳам тўқирди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 *кўчма* Йўқ ердан ўйлаб чиқармоқ; сўқмоқ, уйдирмоқ. *Гап тўқимоқ. Иғво тўқимоқ. Билган ўқир, билмаган тўқир.* Мақол. ▬ *Ҳаммаси бўлган гап-да. Бўлмаса, ёлғонни шундай тўқиб бўладими-а, ўртоқ Дўсматов?* П. Турсун, Ўқитувчи. *«Минг бир кеча»нинг Шаҳризодаси афсона тўқиб, ўлимдан қутулиб қолгандай, Мухторхон ҳам юқоридаги сингари ривоятлар паноҳида омон юрибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ТЎҚИНИШ 1 Тўқинмоқ фл. ҳар. н. *Дарҳол.. ярим газлик пичоғини қинидан ярим суғуриб чиқаради, дамига чироқнинг нури тўқиниши билан пичоқ ярқираб кетади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *айн.* **тўқнаш**. *Мен остонага қадам қўйганимда, унга тўқиниш келдим.*

3 *айн.* **тўқнашув 2, 3**. *Куролли тўқиниш. Автомобиллар тўқиниши. Намойишчилар билан полиция ўртасидаги қонли тўқинишлар.* ▬ *Ҳусайн Бойқаро.. тўхтовсиз ва давомли урушларда, тўқинишларда қиличбозликдаги маҳоратини намоён қилган эди.* Ойбек, Навоий.

ТЎҚИНИШМОҚ 1 Тўқинмоқ 1 фл. бирг. н. *Машиналар тўқинишиб, қаттиқ шикаст ебди.*

2 Тўқнаш келиб жанг қилмоқ, жангга кирмоқ. *Разведка душман дозорлари билан тўқинишди.*

ТЎҚИНМОҚ *кам қўлл.* **1** Тегмоқ, урилмоқ. *Автомашина трамвайга бориб тўқинди.* ▬ *Булутларнинг оҳистагина сайридан.. енгилгина бир изғириқ ҳам юзга келиб тўқинар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Тегмоқ, ботмоқ. *Қора Аҳмаднинг сўзлари Тантибойваччага қаттиқ тўқинди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎҚИШМОҚ I **Тўқимоқ** фл. бирг. н. *Кампирлар пайпоқ тўқишяпти. Болалар янги шеър ва қўшиқ тўқишибди.*

ТЎҚИШМОҚ II *шв.* Тўқнашмоқ, учрашмоқ. *Туғу байроқ бир-бирига тўқишди энди.. Бир-бирига «не қиламиз?» дейишди энди.* «Хушкелди».

ТЎҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Тўйдирмоқ, тўқ қилмоқ *Яна қувончли бир хабар, ишдан чиқиб, қоринни тўқлаб олганларингдан кейин давраии катта тортасизлар.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ТЎҚЛИ Бир ярим ёшга етмаган, қочирилмаган урғочи қўзи. *Бир қўчқор боши*

кетгунча неча тўқлининг бошини ейди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Ориқни семизга, қўзини тўқлига, тўқлини қўйга, кичикни каттага алмаштирганини биласизми? Биласиз!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТЎҚЛИК 1 Тўқ ҳолатга эгалик, тўқ ҳолатдалик. *Қорининг тўқлиги. Рангнинг тўқлиги. Бир очликнинг бир тўқлиги бор.* Мақол. ▬ *Тўқликдан, семизликдан, иссиқдан худди узоқ йўл юриб келган қўй сингари шосупада пўкиллаб ўтирган мингбошини самоварчининг дастёри тинмай елпир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тўқ, фаровон турмуш. *Тўқлик, тўқликдан чиқар шўхлик.* Мақол. ▬ *Мен тириклик тўғрисида ўйлайман. Сенлар тўқликка шўхлик қиласанлар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТЎҚМОҚ 1 Дастаси ва уриладиган қисми кўпинча ёғочдан қилинадиган, босқонга ўхшаш асбоб. *Олчин тўқмоқ. Тунукасозлар тўқмоғи. Дурадгорлар тўқмоғи.* ▬ *Олахўжа махсум бошига қўққисдан тўқмоқ билан урилгандай, гангиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Обиджон шу қадар хаёлга кетадики, ҳатто маҳалласидаги дегрезлик, тунукасозлик дўконларидан чиқаётган тўқмоқлар овозини ҳам эшитмайди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 *махс.* Турли механизм ва қурилмаларнинг уриладиган, зарб берадиган қисми. [*Йўлдош*] *Бугун куни билан трассага парма тишлари, бурғи тўқмоқларини ташиб, ҳозиргина қайтиб келди.* А. Мухтор, Чинор.

3 *кўчма* Зарб, калтак. *Ёмон ўртоқ — ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ.* Мақол. *Яхшининг сўзи — қаймоқ, Ёмоннинг сўзи — тўқмоқ.* Мақол. ▬ *Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор дегандай, бу дашном онага қаттиқ таъсир қилди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Уруш қурсин, қашинишга тирноғим ҳам қолмади, ҳаммасини Мекалай еди! Жабрнинг тўқмоғига тоқат йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *қ.х.* Ғалла янчадиган босқонсимон ибтидоий асбоб.

ТЎҚМОҚЛАМОҚ Тўқмоқ билан урмоқ. *Тўқмоқлаб пай титмоқ. Тунукани тўқмоқлаб текисламоқ.* ▬ *-Икки чорак буғдойни тўқмоқлаб еганим учун, — деди Сафар, — «подшоҳлик ҳақини аниқлашдан бурун ўғирлаб ебсан», деб мени қирқ-эллик қамчи урган амлокдор, ўз кўзим олдида буғдойимни ер билан яксон қилдирди.* С. Айний, Қуллар.

ТЎҚНАШ: тўқнаш келмоқ Юзма-юз келмоқ, дуч келмоқ. *Тор кўчада икки машина тўқнаш келди.* ▬ *Сидиқжон йўталиб, ичкарига кирди ва икки қадам босмасдан, Анзират холага тўқнаш келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЎҚНАШИШ 1 Тўқнашмоқ фл. ҳар. н. *Бу — оддий тўқнашиш эмас, икки ёш қалбнинг кўзлар орқали дардлашиши эди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Бепоёндек кўринган ўрмон ҳам энди хавфсиз эмасди, кутилмаганда душман аскарларига тўқнашиш мумкин.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кам қўлл. айн.* **тўқнашув.** *Қонли тўқнашиш.*

ТЎҚНАШМОҚ 1 Юзма-юз учрашмоқ, тўқнаш, дуч келмоқ, йўлиқмоқ. *Давлатёр кўприкдан ўтмай, ариқдан ҳатлади, кутубхона эшиги олдида Саодатхон билан тўқнашди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

Кўзлар тўқнашди Кўзлар бир-бирига тушди. *Тешабой ҳам айни назокат билан жавоб қилди, шунда икковининг кўзлари тўқнашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Икки томондан дуч келиб, бир-бирига урилмоқ, тўқинмоқ. *Машиналар кўприк устида тўқнашиб шикастланди.*

3 Бир-бирига рўбарў бўлмоқ, бир-бирига дуч келмоқ (қарама-қарши, рақиб томонлар, қарашлар ва ш.к. ҳақида). *Якшанба куни шаҳарнинг Қарши дарвозасидан уч фарсах нарида икки томон сарбозлари тўқнашиб, бир муддатлик тўс-тўполон жангдан сўнг, бухороликлар тор-мор этилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Илғорлик билан қолоқлик, самимийлик билан ҳасад, олийжаноблик билан тубанлик.. тўқнашади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Муроднинг миясида қарама-қарши фикрлар тўқнашди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ТЎҚНАШУВ 1 Тўқнашмоқ 2, 3 фл. ҳар. н. *Автомобиллар тўқнашуви. Қўшинлар тўқнашуви.* ▬ *Мунира ҳам, Аҳмад ҳам боя ўрталарида бўлиб ўтган тўқнашувни унутмаган эдилар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳарорат кучли фикрларнинг тўқнашувидан келиб чиқади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 *кўчма* Ихтилоф, низо ва ш.к натижасида юз берган олишув, кураш. *Синфий тўқнашувлар.* ▬ *Шербек бу тўқнашувда тақдири ҳал бўлишини сезган эди. Шунинг учун*

ҳам, ўзини ҳимоя қилишга зўр бермаса ҳам, бўлган воқеаларни батафсил сўзлаб беришга ҳаракат қилди. С. Анорбоев, Оқсой.

ТЎҚОЛ I **1** Шохи йўқ, шохсиз. *Тўқол сигир.*

2 *шв.* Қисқа, калта. *Охири у чидолмади шекилли, нарироқдаги тўқол тут тагига бориб ўтирди.* «Муштум». *Қараса, ўша ўзини алдаган паризод тўқол ёлли тўриқ отни миниб.. бир-бир босиб, ирғалиб бораётган экан.* «Муродхон».

ТЎҚОЛ II *тар.* Хотин устига олинган иккинчи хотин. *Бошлаб сиз мени ўз уйингизга олиб борасиз. Қани, чиндан ҳам хотинларингиз ўзлари озодликка чиқишни истамаётганмикин, кўрамиз. Айниқса, отасининг қарзи эвазига олган тўқолингиз.* С. Анорбоев, Меҳр. *Тўқол хотин аслида бекаларнинг чўриси..* Миртемир.

ТЎҚОЧ *шв.* **1** Катта бўғирсоқ.

2 Кулча нон. *Ўзбек ойим бўғирсоқ қовуртириш, толқон туйдириш, тўқоч ёптириш билан машғул бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎҚСАБО *тар.* Ўрта Осиё хонлик, амирликларида: олий ҳарбий мансаблардан бири ва шу мансабга эга бўлган шахс. *-Итоат қилмаганларни, — деди Абдулла тўқсабо, — уриш, ўлдириш, бўри бўлиб, қоринларини ёриш керак.* С. Айний, Қуллар. *Бейлини Бухоронинг Қавола дарвозаси олдида амирнинг тўқсабоси Юсуфбек кутиб олди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТЎҚСОН 1 90 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Тўқсондан ўнни айирмоқ. Тўқсон сўм пул. Тўқсон пуд буғдой.* ▬ *Тўққиз сўм оламан деб, тўқсон гап эшитдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қиш фаслининг 1 декабрдан 1 мартгача бўлган давридаги 90 куни. *Тўқсон кирди. Мевани тўқсонда суғорсанг, тўқсон ботмон ҳосил қилади.* ▬ *Кеча тўқсон чиқди; наврўзи олам. Кўчат — келинларнинг тўйи бошланди.* Ғ. Ғулом. *-Боғингга уннамадингми? - Ҳали вақт бор, токларни очсам, совуқ олиб қўядими, деб қўрқяпман. Тўқсоннинг изғирини ўтсин, деб турибман.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 Тўқсон (эркаклар исми).

ТЎҚУВ 1 Тўқимоқ фл. ҳар. н.

2 Тўқиш иши; тўқиш. *Тўқув дўкони. Тўқувни ўрганмоқ.* ▬ *Моки қолипларидан резинкадек чўзилиб тортилган нозик ипак толалар тўқув машиналарига уланди.* Туйғун, Станоклар ёнида.

ТЎҚУВЧИ 1 Тўқимоқ фл. сфдш. *Тўқувчи аёл.*

2 Тўқувчилик касбини эгаллаган шахс, мутахассис; тўқимачи. *Тўқувчи ҳушёр, уқувли бўлиши шарт.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *-Қандай мутахассисликка ўқийсизлар? — деб сўради Элмурод. -Тўқувчи мастерликка, — деди қиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЎҚУВЧИЛИК Табиий ва сунъий толалардан газлама ва б. тўқимачилик маҳсулотлари олиш жараёнлари мажмуи; тўқувчи иши, касби; тўқиш иши. *Тўқувчиликни ўрганмоқ. Тўқувчилик дастгоҳи.* ▬ *-Касбим тўқувчилик, Шокирбек, — деди уй эгаси.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Аммо, — давом этди Гуландом, — бозор касодлигиданми ё иши яхши унмаганлигиданми, дадам тўқувчиликдан ёлчимади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎҚЧИЛИК Фаровон, тўқ ҳаёт, тўкинчилик, маъмурчилик. *Тўқчиликда яшамоқ. Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар.* Мақол.

ТЎҚҚИЗ 1 9 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Тўққиздан учни айирмоқ. Тўққиз сўм пул. Тўққиз килограмм ёғ.* ▬ *Душман кечгача тўққиз марта ҳужум қилди ва ҳар сафар қақшатқич зарбага учрар.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *айн.* **тўққиз-тўққиз.** [*Ҳожар Тўлахонга*:] *Отанг юртнинг бири, ками беш юз жойдан тўққиз олиб, тўн кийган.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Мен баҳузур ёзилиб ўтириб, тўй зиёфатларини едим, ҳамманинг олдига «тўққиз» улашилгандан кейин қайтдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Тўққиз пул Ҳеч нарсага, бир пақирга арзимайди, арзимас. *Соғлиғинг бўлмаса, бу давлатинг тўққиз пул. Тўққиз пулга қиммат одам.* **Тўққиз пулдек қилиб тушунтириб (**ёки **тугиб) бермоқ** Жуда оддий қилиб тушунтириб бермоқ. *Ҳушёр савдогар учун элчининг бир имоси кифоя қилди, унга гапни тўққиз пулдек қилиб тугиб беришнинг ҳожати йўқ эди.* М. Осим, Элчилар.

ТЎҚҚИЗЛИК Тўққизта холи бор карта. *Ғиштиннинг тўққизлиги.*

ТЎҚҚИЗТЕПА *айн.* **себарга.**

ТЎҚҚИЗ-ТЎҚҚИЗ *этн.* Тўй маросимларида хотинларга патнисда улашиладиган, одатда, тўққиз хил нарсадан иборат тортиқ.

Хотинларга тўққиз-тўққиз тортилди. Тўққиз-тўққиздан кейин хотинлар тарқалишди. ▬ *Латофат.. қўшни болаларини чақириб, аллақайси тўйдан тўққиз-тўққизданми, сочқиданми олиб келган жийда-майизни бериб, яна ўқитарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТЎҒИН ғилдиракнинг ташқи гардиши. *Арава тўғини. Тўғинга темир қоқмоқ.* ▬ [*Акбаралининг*] *Дадаси ҳўл қайрағочни қўр аралаш кулга кўмиб, тўғин эгар, кегай йўнар эди.* А. Мухтор, Чинор. *Ҳовли саҳнида тўғин эгадиган кунда қаққайиб турибди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Арава тўғини дўқиллаб, гоҳ эски чуқур изидан, гоҳ йўлни янгилаб, отни ҳам, аравадагиларни ҳам қийнаб бормоқда эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ТЎҒНАМОҚ Санчиб ўтказиб маҳкамлаб қўймоқ, қадамоқ. *Кўкракка медаль тўғнамоқ. Игнани ишпечга тўғнаб қўймоқ. Лентани сочга тўғнағич билан тўғнаб олмоқ.*

ТЎҒНОҒИЧ Тўғнаш, қадаш, маҳкамлаш учун ишлатиладиган мослама (мас., бир учи тўмтоқ игна, ўткир учи уячасига тушиб маҳкамланадиган асбоб, сочга қадаладиган тутқич). *Дўппини тўғноғич билан тиззага тўғнаб тикмоқ. Лентани сочга тўғноғич билан тўғнаб қўймоқ. Сочни тўғноғич билан маҳкамламоқ.* ▬ *Мен кийинар эканман, шошар, қўлларим қалтирарди. Шу пайт тугмача узилиб кетди, уни қадаб олишга вақт зиқ, тўғноғич қадай десам, у ерга тушиб кетди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТЎҒОН 1 Сувни тўсиш, бўғиш, сув оқимини бошқариш учун хизмат қиладиган, одатда, каттароқ оқимга эга бўлган ариқ, дарё ва сойларга қуриладиган гидротехник қурилма, иншоот. *Тупроқ тўғон. Бош тўғон. Тўғон қурмоқ (солмоқ).* ▬ *Ваҳобжон баҳор тошқинида сув олиб кетиб, ҳалигача тузатилмаган канал тўғонини тузаттиришга бир ҳафтадан бери овора эди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Днепрдай азим дарё олдида бу нима деган гап, қаҳратон қишда, ўқ ёмғири остида сув кечганлар наҳотки шу кичик сойга тўғон сололмаса?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *кўчма кам қўлл.* Тўсиқ, ғов, тўғоноқ. *Тўғон бўлмоқ. Тўғри таёқ — балога тўғон.* Мақол. ▬ *Аъзамнинг ҳамон хотинидан кўнгли тўлмас эди. Унга.. бахтимнинг тўғони деб қарарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Бизлар энди илгариги сен айтган гўл, — Чўпу хасдан ҳадик олиб қолатурган Батрак эмас, бўлолмайсан бизга тўғон.* Ғ. Ғулом.

3 Тўғон (эркаклар исми).

ТЎҒОНОҚ 1 Аравага ортилган юкни маҳкамловчи арқоннинг учига боғланадиган катта ёғоч илгак. *Бу ўтинкашларнинг.. кўпчиликларида учига тўғоноқ боғланган бир арқон ва бир ўроқдан бошқа асбоблари йўқ эди.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Бирор ишга, ҳаракатга тўсиқ, ғов бўлиб, тўсқинлик қилиб турган кимса, нарса. *Тўғоноқ бўлмоқ. Тўғоноқ солмоқ.* ▬ *Мен акушерка бўлиб бордим-у, лекин бу ишни бажаришга руҳонийлар тўғоноқ бўлишди.* М. Алавия, Севинчларим. -*Ўзингни ҳам бригадирликка кўтарган Қодиров эди-ку! Энди сен миннатдор бўлиш ўрнига.. оёғимга тўғоноқ солмоқдасан, — деди Қодиров.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТЎҒРАМ Тўғралган, ушатилган нарсанинг ҳар бўлаги. *Бир тўғрам гўшт.* ▬ *Муқимий икки пиёла қандчой билан икки тўғрам бўлка нондан еб, андак жонланди.* С. Абдулла, Қувғунда. *Алижон.. кабоб сихидан бир тўғрам серсел қайноқ гўштни оғзига солди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ТЎҒРАМА Тўғралган, тўғрамча. *Тўғрама гўшт.* ▬ *Қозоқлар менинг олдимга тўғрама келтиришди.* О. Ҳусанов, Чўлда.

Тўғрама палов Гўштни тўғраб солиб пиширилган палов.

ТЎҒРАМОҚ Кесиб, синдириб майдаламоқ, ушатмоқ. *Карам тўғрамоқ. Сабзи тўғрамоқ. Норин тўғрамоқ. Шўрвага нон тўғрамоқ.* ▬ *Хайри ҳафсала билан пиёзни майдалаб тўғрар эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Олим полвон лаганга тўғраб, тайёрлаб қўйилган қазини кафтида кўтарганча, яна Зиёдилланинг ёнига лапанглаб келди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. -*Қани, нонга қаранг, мулла, — деди Олахўжа, патнисдаги нонни тўғраб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЎҒРАМЧА Тўғралган, тўғрама. *Тўғрамча гўшт.* ▬ *Умарали бир парча сур гўштни тўғрамча қилиб, масаллиқнинг устига қўйдида, ошхонага қараб кетди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТЎҒРИ 1 Эгри эмас, қингир ери йўқ; тик, адил. *Тўғри чизиқ. Тўғри сим. Тўғри ёғоч.* ▬ [*Кумушнинг*] *Тўғри.. қоматига ердан бичиб олинган мудҳиш хотиннинг қўллари зўрға етди-да, «эсонмисиз, омонмисиз, пошша қиз»,*

деб сўрашди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эҳтиёт юзасидан* [*Йўлчи*] *тўғри йўлни қўйиб, айланма йўллар билан намозгар вақтида Шоқосимникига* [*Гулнорни*] *бошлаб келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мирзакаримбойнинг ери охирида баланд, тўғри ўсган, учлари бир-бирига туташган қатор тераклар жимгина титрайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хатодан холи, янглиши, нотўғри ери йўқ; бехато. *Тўғри жавоб. Тўғри фикр. Тўғри маслаҳат. Масалани ечишнинг тўғри йўли. Аслига тўғри нусха. Билмагандан билган яхши, Тўғри ишни қилган яхши.* Мақол. ▬ *-Бир нарсага олдиндан ҳукм этиш тўғри эмас, Абдишукур, — салмоқлаб деди Мирзакаримбой.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бундай жойларда ҳамма вақт ҳам кўз билан тўғри чамалаб бўлмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Ҳақиқатдан иборат; чин, рост, ҳақ. *Тўғри ҳукм. Тўғри тил тош ёрар, Эгри тил бош ёрар.* Мақол. *Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор.* Мақол. *Бошингга қилич келса ҳам, тўғри сўзла!* Мақол. ▬ *Тўғри гапим туққанимга ёқмайди, деганлари бежиз эмас экан-да.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал.

4 Белгили талаб, қоида ва ш.к. га жавоб берадиган; мос келадиган; қоидали. *Кетмонни тўғри ушла. Эгри кўчада юрсанг ҳам, тўғри юр.* Мақол. ▬ *Мен тўғри ўқий олмасам, тунов кундагидек куласиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

5 Қувлик-шумлик, қинғирлик ва ш.к. ни билмайдиган; одоб, ахлоқ доирасидан чиқмайдиган, унга зид иш тутмайдиган; ҳалол, виждонли, инсофли. *Тўғри одам. Тўғри аёл. Тўғри киши тили эгридан ор қилади.* Мақол. *Дили тўғрининг — тили тўғри.* Мақол. *Эгри озар, тўғри тўзар.* Мақол. ▬ *Суриштирсанг, ҳамма бой бир текисда инсофсиз. Тўғри одам бой бўлмайди шекилли, ман ўзим шу фикрдаман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бизнинг кўзимизга совуқ кўринган қипчоқвачча Нормуҳаммаднинг эл учун қилиб турган тўғри хизматини мен ўз умримдаги Тошкент беклари орасида биринчи мартаба кўраман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Оғайни, бизга тўғри тошингизни қўйсангиз бўлар эди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

6 Тўғридан-тўғри амалга ошириладиган, бўладиган; бевосита, воситасиз. *Тўғри сайловлар. Тўғри солиқлар.*

7 *(урғу биринчи бўғинда) рвш.* Тўғридан-тўғри, тўппа-тўғри, бошқасига, бошқа томонга чалғимай. *Меҳмонлар тўғри бизникига тушди. Тўғри раиснинг ўзига учрашдим.* ▬ *Насияга бўлса ҳам гўштнинг лаҳим жойларидан еган яхши бўлар экан-у, кейин ҳақини тўлашни билмай гаранг бўлиб, кўчадан тўғри ўтолмай юрган ёмон экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Бу киши ҳидлаб ўтирмайди, тўғри ейди-қўяди, — деди ва қойил қилганига ишониб, ҳаммадан баландроқ қаҳқаҳа урди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 *крш. с.* Дуруст, ҳақиқатан ҳам, дарҳақиқат. *Тўғри, жон ширин, ҳар ким ўз жонини аяйди, лекин одамнинг юрагида бошқаларга меҳр бўлиши керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тўғри бўлмоқ 1) тўғри шаклга, ҳолга келмоқ, тўғриланмоқ. *Йўл тўғри бўлди;* 2) ҳақиқат, чин, рост бўлмоқ. *Тўғри бўлса бу гаплар, Турмай қанот қоқайин. Бутун вужудим билан Бир сел каби оқайин!* Ғайратий; 3) ҳақ бўлмоқ, ҳаққоний, адолатли бўлмоқ. *Бу тўғрида раисимизни танқид қилиш бир томондан тўғри бўлса, иккинчи томондан тўғри эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 4) инсофли, виждонли бўлмоқ, ҳалол бўлмоқ. *Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб, гул бўласан, Эгри бўлсанг, ўсиб бориб, кул бўласан.* Мақол. ▬ *Сен тўғри бўлганингда, бу таъналар нима эди менга!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби; 5) рўпара бўлмоқ, юзма-юз келмоқ. *Бир маҳал Соли совуқ, икки букилиб, минг-бошига тўғри бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тўғри келмоқ** 1) мувофиқ, мос келмоқ. *Бу гап ҳақиқатга тўғри келмайди. Ақлга тўғри келмайдиган иш. Уйдаги гап бозорга тўғри келмайди.* Мақол. ▬ *Қабул бўлмаган дуо учун мени гуноҳкор санайсизларми? Бу дуруст эмас, бу шариатга тўғри келмайди.* С. Айний, Қуллар; 2) лойиқ, монанд келмоқ. *Пальто бир номер катта, менга тўғри келмайди. Этик оёғимга тўғри келди;* 3) амалга ошмоқ, бўлмоқ. *Ҳамроев кечки овқатдан кейин бирпас чўзилмоқчи бўлган эди, тўғри келмади: нариги уй тўполон — болалар бир-бирини ёстиқ билан уриб ўйнаётибди.* А. Қаҳҳор, Айб кимда; 4) баравар, тенг келмоқ, бас келмоқ, бараварлашмоқ, тенглашмоқ. *-Ўғлим, — деб қичқирди кулиб дадаси, — кимники олди? -Тоҳир гупчакнинг жиронни. От боласи унга тўғри келмас экан.* Ой-

бек, Танланган асарлар; 5) дуч келмоқ, тўқнаш келмоқ, учрашмоқ. *Тўғри келган киши билан саломлашмоқ.* ▬ *Икки томондан тешишга-ку тешамиз, тўғри келмай қолса нима бўлади?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 6) бир вақтда юз бермоқ, бўлмоқ, қарама-қарши келмоқ. *Иккала тўй бир кунга тўғри келиб қолибди.* ▬ *Ишқилиб, Абдулла поччамнинг зиёфатига тўғри келмасин.* Ойбек, Танланган асарлар; 7) бирор иш қилишга мажбур бўлмоқ. [*Отабек*] *Саройдан анча узоқлашган эди, қаршидан.. келувчи Раҳматни кўрди ва чор-ночор сўрашмоққа тўғри келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тўғри қилмоқ** 1) тўғри шаклга, ҳолга келтирмоқ, тўғриламоқ. *Дарё ўзанини тўғри қилдик;* 2) тўғри иш қилмоқ. *Ўқишга кириб тўғри қилдинг;* 3) рўпара қилмоқ, тўғриламоқ. *Чатоқ ишларни менга тўғри қилаверинг.* ▬ *Ҳали ҳам сиз қуруқ қолмайсиз, умидим борки, сизни Вобкент қозилигига тўғри қилсам.* С. Айний, Қуллар.

9 (*эгалик, ў.-п. ва ч. к. шаклларида* — **тўғрида, тўғрисида, тўғрисидан**) Оидлик, тегишлилик, сабаб, макон каби маъноларни билдиради; ҳақида, юзасидан, сабабли, жиҳатдан. *Бу тўғрида раҳбарлар билан маслаҳатлашмоқ. Пул тўғрисидан бир оз қийналиб қолибди. Эртага бўладиган мажлисдаги масалалар тўғрисида келишиб олдик.* ▬ *Фазлиддин бу кеча хурсанд эди. Ҳар тўғрида сўзлар, кулар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сизни сиртдан танирдим, сиз тўғрингизда кўп эшитганман.* К. Яшин, Ҳамза. *Тўлаган бинокорлик тўғрисида бир гапга тушиб кетса, уни тўхтатиш хийла қийин эканини билгани учун Бўтабой ҳам қўйиб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИДАН *рвш.* **1** Тўппа-тўғри, бевосита. *Тўғридан-тўғри юқорига мурожаат қилмоқ.* ▬ *У* [*Мавлонов*] *билан тўғридан-тўғри муомалада бўлмайдиганлар уни «райком», «райком Мавлонов» деб атасалар, яқиндан.. муомалада бўладиганлар «ўртоқ Мавлонов» деб атар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Гапни узоқдан олиб келмасдан, тафсилотларга берилиб ўтирмасдан, узоқ даромадсиз; тўппа-тўғри. *Тўғридан-тўғри асосий масалага ўтмоқ.* ▬ *У* [*Бўтабой*], *Сидиқжоннинг назарида, сўзни чўзмаслик ва тезроқ правлениенинг қарорини тасдиқлаш масаласига ўтиш учун гапни ўртасидан бошлади: ҳатто одатдагича «ўртоқлар» ҳам демасдан, тўғридан-тўғри.. правление тузган планни батафсил сўзлаб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЎҒРИЛАГИЧ Ўзгарувчан электр токини ўзгармас токка айлантирувчи асбоб, қурилма. *Симобли тўғрилагич.*

ТЎҒРИЛАМОҚ 1 Тўғри шаклга ёки ҳолга келтирмоқ, тўғри, адил, тик қилмоқ. *Симни тўғриламоқ. Дарё ўзанини тўғриламоқ. Эгилган ўқни тўғриламоқ. Эгри битганни эл тўғрилайди.* Мақол. ▬ *-Дардингизга даво менда! — у қаддини тўғрилаб.. яна жилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хато, нуқсон ва ш.к. ни йўқотмоқ, тузатмоқ. *Имло хатоларини тўғриламоқ. Талаффузни тўғриламоқ. Соатни тўғриламоқ.* ▬ *Гулнор айтганига пушаймон қилди, хатосини тўғрилаш учун сўзламоққа мажбур бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тегишли вазиятга келтирмоқ, тартибга солмоқ, тузатмоқ. *Ёқангни тўғрилаб ол.* ▬ *Анвар.. қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўзғиган сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокилларнинг муаттар бўйини узоқ ҳидлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Кавушини тўғрилаб қўймоқ *қ.* **кавуш.** *Кавушини тўғрилаб қўйиш керак, қурилишни ҳам, коллективни ҳам сариқ чақага сотади бу.* А. Мухтор, Туғилиш.

4 Бирор томонга қаратмоқ, рўпара қилмоқ; йўналтирмоқ. *Прожекторларни самолётга тўғриламоқ.* ▬ *Чол у ёқ-бу ёқ суриб.. ўртадаги ходани хаёл қилинган ип йўлига тўғрилаб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулнор умримга эгов бўлди. Яна у Мирзакаримбой хонадонига бошлиқ бўлиб деккайсин, ҳеч ким билан сўзлашмасин, туғсин, бойликнинг нишабини ўз томонига тўғриласин.* Ойбек, Танланган асарлар. *У хаёл сураркан, кимнингдир қўли елкасига қўйилганини сезиб, дарҳол орқасига бурилди ва юзини юзига тўғрилаб турган Лолани кўрди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Биров ёшга тегади, биров.. бошқага. Худо юлдузингни ўшанга тўғрилаган экан, чорамиз йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *с.т.* Эпини, иложини қилиб битирмоқ, юзага келтирмоқ, муҳайё қилмоқ; эплаштирмоқ. *Мушкул ишни тўғриламоқ. Бу ҳақда ташвиш қилманг, ўзимиз тўғрилаймиз.* ▬ *Ҳозир секретарнинг олдига тушгин, у ҳаммаси-*

ни тўғрилаб беради. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. *Наинки, амирзода, бу ишни устод Қавомнинг бир оғиз сўзи билан ҳам тўғриламоқ мумкин..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТЎҒРИЛИК Тўғри эканлик, тўғри ҳолатга эгалик, тўғри бўлишлик. *Йўлнинг тўғрилиги. Фикрнинг тўғрилиги. Тўғриликка ўлим йўқ.* Мақол. ■ *Деворий соат бирга занг урди. Ўрмонжон, бу соатнинг тўғрилигига шубҳаланди шекилли, ўз соатига қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳалоллик, тўғрилик, поклик — одамийликнинг зарурий мезонидир.* Газетадан.

ТЎҒРИЛИКЧА 1 Тўғрилик билан, одатга кўра, очиқ, ошкор. *Шу гапни тўғриликча айта қолсанг бўлмайдими.* ■ *Элмурод.. тўғриликча тўйиб овқат ейишга ҳам ҳақсиз эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Беғараз, очиқ кўнгиллик билан, яхшиликча. *Мен ундан тўғриликча сўраган эдим, эгриликка олди.* ■ *Уларнинг ундай-бундай сўзлари бўлмаган, тўғриликча келиб кетган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎҒРИСИ 1 Иш, гап, нарса, одам ва ш.к. нинг тўғри деб ҳисобланадигани. *Ишнинг тўғриси шу. Одамнинг тўғриси эконсиз. Туянинг бувраси яхши, Сўзнинг тўғриси яхши.* Мақол. ■ *Қани, хўш, тўғриси қанақа бўлар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Гапнинг очиғи; очиғини айтганда, сўзнинг рости. *Тўғриси, мен сизни ҳозиргача унча яхши билмайман.* ■ *У севиб, севимли бўлганидан мамнун эди, бахтиёр эди. Энди у шу кунгача ҳеч кимни севолмаганидан, тўғриси, севмаганидан ажабланарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Тўғрисини айтсам (*ёки* **айтганда**) *айн.* **тўғриси 2.** *Тўғрисини айтганда, хато ўзингиздан ўтган.* ■ *Тўғрисини айтсам, бу гапларнинг ҳаммасига сиз сабаб бўлмоқдасиз, эр!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎҒРИСИДАГИ 1 Қаршисидаги, рўпарасидаги. *Боғ тўғрисидаги уй.* ■ *Дўллар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Устидаги, ҳақидаги, хусусидаги. *Эшоннинг «жилов» тўғрисидаги фикри Элмуроднинг ғазабини келтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қоратойнинг юрагидаги ғазаб тўлқини, Йўлчи ва қиз тақдири тўғрисидаги ташвиш ишлашга имкон бермади.* Ойбек, Танланган асарлар.



У (*ж.к.*, *ў.-п. к.*, *ч.к.* – **унга**, **унда, ундан**) **1** *кш. олм. 3-ш. бирл.* Сўзловчи ва тингловчидан бошқа шахсни, нутқ жараёнида қатнашмаётган шахс («ўзга»)ни билдиради. *У мендан бир ёш катта. Ундан ёшлар ўрнак олишади.* ▬ *У кетгандан кейин, Сидиқжон шу ернинг ўзида чўкка тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мана, бошқарма бўлимида уни* [*Искандаровни*] *роса қизартиришди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи. *Унинг овози ўзига жуда узоқдан эшитилаётганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 *кўрс. олм.* Сўзловчидан наридаги ёки узоқдаги кимса, нарсани кўрсатиш учун қўлланади. *Бу китобни эмас, у китобни беринг. У йигитни танийсанми? Дарёнинг у ёғи.* ▬ *У ерда нима кўп – паст-баландлик.* Шуҳрат, Олтин зангламас. *Мен бўлсам унинг йўлини аллақачон топиб қўйганман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Бошини (*ёки* **ўзини**) **у ёққа урмоқ, бу ёққа урмоқ** Бирор нарса ҳаракатида ўзини минг алфозга солмоқ, астойдил уринмоқ. [*Мирзакаримбой*:] *Бошни у ёққа урдим, бу ёққа урдим, ахир бир эвини топдим, жиян.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилмоқ** Масалани кўндаланг ҳал қилмоқ, ишни бир ёқлик қилмоқ, ажрим қилмоқ. **У дунё** *қ.* **дунё 8**. *Тақдирга шукур қил, номусли камбағал бўл. У дунёда фойдасини биласан.* Ойбек, Танланган асарлар. **У дунё-бу дунё, у дунёю бу дунё** *қ.* **дунё 8**. **У ёқда турсин** *қ.* **турмоқ**. *Очилиш у ёқда турсин, очиқ хотинларнинг юзини ҳам кўрмайман, деб онт ичганман.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. **У ёқда қолиб** Ёддан кўтарилиб, эсдан чиқиб, унутилиб. *Канизак.. кўзи жиққа ёшга тўлди-ю, узр у ёқда қолиб, ҳасратга тушиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **У ёғини суриштирсанг** Аниғини билмоқчи бўлсанг, очиғини айтганда, аслида. *У ёғини суриштирсанг, қишлоқда ҳамманинг рўзғори танг.* Ойбек, Танланган асарлар. **Уни қўй, буни қўй** *с.т.* Бошқа гапларни қўятур.. *Уни қўй, буни қўй, қачон бизникига келасан?*

-у (*унли товушлардан кейин* **-ю**) **1** *боғл.* Тенг ҳуқуқли икки сўз ёки гап бўлагини ўзаро боғлаб, «ва» маъносида қўлланади. *Еру кўк. Ёшу қари. Кечаю кундуз. Тўқсон бешу ўндан уч фоиз.* ▬ *Қир-адирда ўтлар менинг қўю қўзим.* Ислом шоир.

2 *боғл.-юкл.* Қиёс, зид маъноли гапларни таъкид маъноси билан боғлаш учун қўлланади. *Мен ҳам шуни ўйлаяпман-у, иккинчи ёқдан Шералига қараб туриб, ҳам раҳмим келади, ҳам ҳавасим.* С. Кароматов, Олтин қум.

УБОРШИЦА [*р.* убрать – «йиғиштириб, саранжом, ораста қилмоқ» фл. дан ясалган от] *қ.* **фаррош.** *Малоҳатхон.. эрининг қаршилигига қарамай, район советига уборшица бўлиб ишга кирган экан.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

У-БУ 1 Ноаниқ бўлган нарса, гап, ҳодиса маъносини билдиради. *Тахта ва ғиштлар устига у-бу ёпдилар.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Излама энди баҳона, Демагин у-буда айб.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Нури билан у-бу тўғрисида гаплашиб, кир ювар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..гап сўрасам, тишим оғриб қолди, у-бу деб мужмал жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Бирор гап-сўз; алай-балай. *..хурсандчилигини қилсин. У-бу дейдиган одамнинг оғзига уриш керак.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

УВ *тақл. с.* Ит, бўри каби ҳайвонлар чиқарадиган чўзиқ овозни ва шу овозга ўхшаш бошқа нарсалар товушини, жумладан, инсон йиғисидаги шу каби овозни билдиради. *Ув.. деб келар бўри овози.* С. Жўра. *Тўсиндан даҳшатли ув билан гирдибод қуюн уларни ўради.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Бирга турмайман десангиз, майли, судга беринг. Бироқ мен шармандани кечиринг! Мен сизнинг тирноғингизга ҳам арзимайман! Ув!..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Ув солмоқ (*ёки* **тортмоқ**) «Ув» деган чўзиқ овоз чиқармоқ. *Овул тинч, гоҳо узоқда, Аллонбий қўраси томонда бўри ув тортарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Дарахтларни юмдалар бўрон.. Гоҳ қутуриб ув солар бўрон.* З. Обидов, Яхши ният. *Шу тилда алласин айтгандир онам, Шу тилда ув тортган фарзанд доғида.* Шуҳрат, Ёшлигимнинг давоми. *Хадича буви ҳам ув тортиб йиғлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УВА Тоғ ёнбағирларидаги чети қиялаб кўтарилган ерлар, пасттекислик. *Гўё табиат қирлар, адирлар ва уваларга ям-яшил гилам қўйгандай.* Газетадан. *Қаршидаги улуғвор тоғлар, уваларни томоша қилиб.. аравада лиқиллаб ланж бораман.* Ойбек, Болалик. *Сув ёқалаб келиб қолганим бу чечаклар уваси мунчалар гўзал, дўстим!* Миртемир, Тингла, ҳаёт.

УВАДА 1 Кийим, тўшак ва ш.к. нинг тўзган, узилган парчаси. *Мен совуқдан сақланиш учун увадаси оқиб ётган кўрпа-тўшакларга ўралиб олар эдим.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Ниҳоят, тўнидан увада олиб отибди.. Шунақа, Тўлаган ака, душман отган тошдан жигар отган увада қаттиқ тегади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Эскириб, ситилиб, йиртилиб дабдала бўлган кийим-кечак; латта-путта, эски-туски. *Чувриндиларга ўралган Лаъли увадага ўралган гўдагини қучоқлаб.. пўстак устида ўтирарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Зангдан қорайиб кетган темир каравот устида кўрпанамо эски увадаларга бурканиб Дороббек ётарди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Болор ҳам хода бозори. Пахта, увада бозори..* «Равшан».

3 *сфт.* Йиртилган, тўзган, увада ҳолга келган. *Увада камзулда биллур тугмадай Булутлар ортидан боқади юлдуз.* А. Орипов.

4 *кўчма* Увадага ўхшаш нарса ҳақида. *Оппоқ увада булутларни шамол ҳайдайди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Бир ёнда судралган қиш увадаси: Иркит қор уюми, тўнгган нам тупроқ.* Р. Бобожон. *..этда-бетда увада қорлар сочилиб ётарди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

Увадаси чиққан 1) эскириб, йиртилиб тўзган, дабдала бўлган. *Увадаси чиққан тўн.* ▬ *Бояги тикроқ бола увадаси чиққан дастурхонни ёзиб, қотган-қутган бурда нонларни расамади билан сочиб юборди.* С. Кароматов, Олтин қум. *..аёл увадаси чиққан кўрпача солиб, эшитилар-эшитилмас овозда деди..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 2) яроқсиз ҳолга келган, «дабдала» бўлган. *Комилжоннинг таклифи — увадаси чиққан эски гап.* И. Раҳим, Ихлос. *..композиторлар-ку қайта ишлайвериб, халқ қўшиқларининг увадасини чиқарди, энди қайта ишлашни ошпазга ким қўйибди..* И. Раҳим, Ҳилола.

УВАДАЛАНМОҚ Эскириб, титилиб, парча-пурча бўлиб кетмоқ; увада ҳолига келмоқ. *Қоратой икки томондан очиқ бўғотлари увадаланган ишхонада.. темир парчасини болға билан гурс-гурс урар, яссилар, чўзар, қайирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УВАДАЧИ *айн.* **эскифуруш.**

УВАЛАМОҚ 1 Майда, увоқ қисмларга бўлмоқ; майдаламоқ, ушатмоқ. *Кесакни уваламоқ. Нонни уваламоқ.* ▬ *Қум-кесакдан кўп бемадор қирғоқни* [*пўртана*] *ўпирарди, уваларди.* Ғ. Ғулом.

2 Бошоқ, сўта ва ш.к. даги доналарни уқалаб ажратиб олмоқ. *Жўхорини уваламоқ. Анорни уваламоқ.*

УВАЛАНУВЧАН Яхши, тез, осон уваланиш (майдаланиш, парчаланиш) хусусиятига эга. *Увалaнувчи ғишт.*

УВАЛИ-ЖУВАЛИ Кўп фарзандли, невара-чеварали. *Икки ёшнинг муҳаббатли, ували-жували бўлишларига дуо қилишгач, совчиларга заррин тўнлар кийдирилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Буви.. уй соҳиби Ўтапнинг серфарзанд, ували-жували бўлишига истак билдирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Толибжон ҳам ували-жували, хотин, бола-чақаси билан чиқиб, бобони кузатгани отланган эди.* А. Мухтор, Чинор.

УВАЛЛО *қ.* **уввало.** *Шошиб қолганидан, увалло уринишига қарамай, пальтосининг енгини тополмасди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар.

УВАЛМОҚ Майда бўлакчаларга бўлинмоқ; ушалиб кетмоқ, уваланмоқ. *Бўр увалиб кетди.*

УВАТ *қ.х.* Дала ёки экин майдони ичида, четларида қолдирилган бўш ер, тор йўл. *Адирларда ўрим боради, Уватларда ўтлайди пода.* Х. Салоҳ, Чашма. *Марза, риат, йўл ёқаларини ҳайдаш ҳисобига майдонимизни ўн икки гектарга кенгайтирдик.* Газетадан.

УВВАЛО Астойдил уриниб, зўр бериб; астойдил, роса. *Маҳкам ака уввало тушунтиришга уринса ҳам, чол эшитмасди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Хотинлар уввало қистаса ҳам, Бувинисо ҳалимга коса кўтариб бормади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уни тинчитиш, нима бўлганини аниқлашга уриниб, уввало ялинаман, қани тинчиса, қани очиқ айта қолса.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

УВВОС Ўкирган овоз, шундай овозли йиғи. *Куни билан Осим аканинг ҳовлисидан қий-чув, уввос кўтарилиб турди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Дилшод дарахтга қараб югурди. Аёллар ҳам уввос билан дарахт тагига келишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Уввос солмоқ (*ёки* **тортмоқ, кўтармоқ**) Ўкирган, қаттиқ овоз чиқармоқ; шундай овоз билан йиғламоқ. *Барча баравар уввос солди. Қий-чув олқишлар, қарсак қўшилиб, ўрис сўзини эшиттирмай қўйди.* С. Сиёев, Аваз. *Қопқоғи қалайланган темир тобут уй ўртасига қўйилгач, хотин-халаж бирдан уввос солиб, аза очди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *..одамлар уввос тортиб, чапаклар, қарсаклар билан, оҳвойлар, қичқириқлар билан яна сўрадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бечора она чидолмади, қабрни қучоқлаб, уввос тортди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мабодо оломон ичидан бири чиқиб: «Биз одам бўлмаймиз», дейдиган бўлса, қолганлар «тўғри», деб уввос кўтариши турган гап.* «Муштум».

УВЕРТЮРА [*фр.* ouverture < *лот.* aperture, operture — очилиш, бошланиш] *мус.* **1** Опера, балет, кинофильм ва ш.к. га ёзилган, ана шу асарнинг асосий мавзуларини ифодаловчи мусиқали муқаддима. *Кўп ўтмай, фрак кийган дирижёр ўз ўрнига чиқди-ю, «Боғчасарай фонтани»нинг увертюраси бошланди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Симфоник оркестр опера бошланиши олдидан чалинадиган увертюрани.. ижро этади.* Ҳ. Носирова, Опера ҳақида айрим тушунчалар.

2 Оркестр учун ёзилган, бир қисмдан иборат мустақил мусиқий асар. *Концерт увертюраси.*

УВИЗ *шв.* Оғизнинг икки чети. *Оғзи ним очиқ, увизидан сизган сўлаги соқолига ёпишган.* «Шарқ юлдузи».

УВИШМОҚ 1 Қоннинг яхши (меъёрий) юришмаслиги сабабли карахт ҳолатли бўлмоқ (асосан, оёқ, қўл ҳақида). *-Қўлларини ечиб юборинг! — Арғун белидаги ханжарини суғуриб олиб, чилвир арқонни узиб ташлади. Амирак Аҳмад увишиб қолган қўлларини осилтириб уқалади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қимирлатиб кўриб, ҳеч нарса сезмади. Оёқлари увишиб, йўқ бўлиб қолгандай эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Сезганмисиз, оёқ увишиб қолганда, зилдай бўлиб, эгасига бўйсунмайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Лоҳаслик билан қисман қалтироқ ҳис этмоқ; жунжикмоқ (тана, эт, бадан ҳақида). *Оқшом салқинидан увишган танасини ҳаракатга келтириш учун киришаётган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб..* Н. Сафаров, Оловли излар. *Заргаров чиндан ҳам эти увишиб, зўрға ўтирган эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Бадани увишиб ўтирган аёл жонланиб, у айтган шим билан кўйлакни қўлига олди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Умуман, карахт ҳолатда бўлмоқ (нарса ҳақида). *Лаъли ўғилчасининг ўлимига чидаёлмай, кўп йиғлади, илгари юзи ёпилган булоқдай, юрак қаърида увишиб ётган оналик меҳри мана, ниҳоят, кечроқ бўлса ҳам, жўш урди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

Юраги (*ёки* **қалби**) **увишмоқ** Нохуш нарсадан ўзини ёмон ҳис қилмоқ. *Мен, ёпирилиб келган совуқ туйғудан юрагим увишиб, арчага суяниб қолдим.* О. Ёқубов, Излайман. *У қоларкан қалби увишиб, Қўрқиб боқар ҳовлиси томон.* О. Ҳожиева, Ҳаётга таъзим.

УВЛАМОҚ *айн.* **увилламоқ**. *Увлаб йиғламоқ.* ▬ *Увлаб қолди бир тўда оч, малъун бўрилар.* Ғайратий. *Туни билан бўлган ғазабли бўкиришлар, хунук алаҳлашлар, йиртқичдай увлаб йиғлашлар тинди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

УВОЛ [*а.* عوار — ноқулай муҳит; бало, офат; фалокат *ёки* وبال — камчилик, нуқсон] **1** Айб, гуноҳ. *Ёшгина эмадиган чақалоғи бўлмаганда ҳам майли эди, унга қўл тегизмоқ увол!* И. Акрам, Адолат. *Меҳмонлар*

тўйга бориб хурсанд бўлишмади. Тўйбошининг орзу-ҳаваси уволга, замон сўзи билан айтсак, гуноҳга айланди. Н. Сафаров, Оловли излар.

Уволи тутмоқ *ёки* **уволига қолмоқ** Ножўя иш ёки ҳаракатнинг айбдори бўлмоқ; жазосини олмоқ. *Ўқишини жувонмарг қилсак, уволига қоламиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фойдасиз ёки бевақт йўқ бўлиш, йўқолиш; нест-нобуд. *Умр увол, увол, баҳор меваларин, Ёшлик бўсаларин тўйиб тотмасанг.* А. Мухтор. *Хоҳишларинг бўлмасин увол!* Ҳ. Олимжон.

3 *кўчма* Бировга озор бермайдиган, зиён етказмайдиган; ювош, заиф. [*Акрам*:] *Ие, ҳали сутдан оқ, мусичадек уволман денг?* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам – дилим. *Боя чумолидек увол кўринган қиздек йигит энди кийикдек ел қувиб учиб борарди.* С. Аҳмад. Чўл бургути.

4 Оғир, қийин, аянчли. *Жўжабирдек жон, болаларига увол бўлди.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Оёқ-қўли бутун бўла туриб, чумчуқдан баттар увол яшайдиган одамлар ҳам бор.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

УВОҚ 1 Уватилган нарсанинг кичик бир бўлаги, увалган қисми; ушоқ. *Зокир.. бостон пиджагининг енгига ёпишган нон увоғини чертиб ташлади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бинонинг ташқи томони мармар тахталар ҳамда мармар увоқлари билан пардозланган.* Газетадан.

2 *кўчма* Жуссаси кичик, майда. *[Шербек:] Қорамол билан увоқ молга бу ерда тўплайдиган ем-хашагимиз бемалол.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бундай мураккаб машинани мендек увоққина бир қиз бошқаришини қаёқдан билар эди улар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *У, Дилбархон тасаввур қилганидек, йўғон, барваста эмас, балки 55 ёшлардаги увоққина одам эди.* Х. Тўхтабоев, Садоқат.

3 *кўчма* Умуман, майда, кичик. *Увоқ мақсад учун тарихни чаплаб, Ҳомийларни, закийларни сотганлар озми?* А. Орипов, Йиллар армони.

УВОҚЛАМОҚ *айн.* **уваламоқ 1**. *Жувон нонни увоқлаб, қанд билан латтага тугиб, сувга чайқагандан сўнг, гўдак оғзига тутади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

УВУЛДИРИҚ Балиқ ва б. баъзи сувда яшовчи жониворларнинг тухумчалари, уруғи; икра. *Босилиб, увулдириғи ситилиб чиққан балиқлар.* ▬ *Қовоқ хумчадаги сутдан оқлаб, увулдириқ суркалган кулчани синдириб, меҳмоннинг олдига қўйди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

УВУЛЛАМОҚ Чўзиқ «ув» деган овоз чиқармоқ; ув тортмоқ. *Бўри увуллади. Ит увуллади.* ▬ *Аллақандай бир тўда ит тўлқинга қарши увулламоқда.* F. Fулом. *Шамол гоҳ оч бўридай увуллар.. эди.* А. Қаҳҳор, Даҳшат.

УВУН-ТЎДА 1 Эски, чирик, йиртиқ нарсалар; эски-тускилар. *Увун-тўдаларнинг орасида, хонақонинг бир бурчагида тонг оттирдим.* F. Fулом, Шум бола.

2 Бетартиб, пала-партиш; йиғиштирилмаган. *Увун-тўда ҳовли.* ▬ *Уйнинг эшиги ланг очиқ эди. Нарсалар увун-тўда бўлиб ётибди.* Ш. Fуломов, Ёрқин уфқлар.

УВУШМОҚ *қ.* **увишмоқ.**

УГЛЕВОДЛАР [*р.* уголь – кўмир + вода – сув: кўмирсувлар] Одам, жониворлар ва ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган, углерод, кислород ва водороддан таркиб топган органик бирикмалар гуруҳи.

УГЛЕВОДОРОДЛАР [*р.* уголь – кўмир + водород] Молекулалари фақат углерод ва водород атомларидан таркиб топган органик бирикмалар синфи.

УГЛЕРОД [*р.* уголь – кўмир + род(ить) – туғдирмоқ] Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб, ҳамма органик моддаларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган кимёвий элемент.

УГРА 1 Юпқа ёйилиб, узун ва майда қилиб кесилган хамир. *Угра кесмоқ.* ▬ *Зиёдахон шитоб билан угра кесар экан, унга* [*Сидиқжонга*] *бир қараб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шундай хамирдан тайёрланган суюқ ош. *Олий нав ун угра, лағмон, манти каби таомлар учун кўл келади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Уста Абдуллажон келтирган бир коса серқатиқ угра ошидан икки-уч қошиқ ичиб, қайтариб берди.* О. Ёқубов, Видо.

УД [*а.* عود – дарахт, поя, новда; торли, чертма мусиқа асбоби номи] Катта ноксимон косахонали, калта дастали, кўп торли, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби. *Уд чалмоқ.* ▬ *Уд* [*барбат*] – *қадимги Ўрта Осиёда чертма торли мусиқа асбоби.* «Фан ва турмуш».

УДАЙЧИ *айн.* **ҳудайчи**. *Анвар бугунги нома ва аризаларни йиғиштириб, удайчига топширди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

УДАРНИК I [*р.* ударить – «урмоқ, зарба бермоқ; уриб чалмоқ» фл. дан ясалган от] Отиш қуроллари затворининг отиш пайтида ўқ капсюлини уриб чақадиган, ўт олдирадиган учли қисми, учи. *Затвор ударниги. Ударник чақалаган пистон.*

УДАРНИК II *эск. қ.* **зарбдор**.

УДДА [*а.* عهده – масъулият, жавобгарлик; кафиллик, кафолат] Бирор ишни бажара олиш, ўринлатиш; амалга ошириш, эплаш. *Бу нозик вазифанинг уддасини сизга ҳавола этмоқчимиз.* Ойбек, Навоий.

Удда қилмоқ *ёки* **уддасидан чиқмоқ** Бажара олмоқ, эпламоқ, уддаламоқ. *Майли, ишни ҳам, ўқишни ҳам удда қиламан десанг, боравер.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Битта бузоқни удда қилолмайсан-а.* С. Нуров, Нарвон. *Бригадамиз унча катта ва кучли бўлмаса ҳам, барча ишнинг уддасидан чиқамиз, ишонаверинг*! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УДДАБУРО(Н) [*а.* عهده + *ф.* بران – кесувчи, кескир, ўткир] Ҳар ишни удда қила оладиган, эплай оладиган; эпчил, абжир, тадбиркор. *Уддабуро аёл.* ▬ *Ҳомидхўжа Мирвалининг уддабуро бола эканини яхши биларди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Нуъмонжон моҳир мастер, яхши бригадиргина эмас, балки уддабуро ташкилотчи ҳамдир.* Н. Ёқубов, Қалб кўзи билан.

УДДАБУРО(Н)ЛИК Уддабурога хос хислат. *Фотиманинг бир сўзлилиги, уддабуронлиги ҳаммага ёқиб тушди.* «Саодат».

УДДАЛАМОҚ Уддасидан чиқмоқ, удда қилмоқ, эпламоқ. *Кулиб туриб йиғлаш мушкул ҳол, буни энг моҳир артистларгина уддалаши мумкин.* «Ёшлик». *Раиса ўша йили раисга берган ваъдасини уддалади.* Газетадан.

УДЛИ-ШУДЛИ Ишни тез бажарадиган, эпчил; серҳаракат, серғайрат. *Удли-шудли қиз. Удли-шудли хизматчи. Удли-шудли бўлмоқ.* ▬ *Болангиз тузук, удли-шудли чиқяпти. Ҳадемай, сизга суянчиқ бўлиб қолади.* Ҳ. Назир, Индамас.

УДМУРТ 1 Россия Федерацияси таркибидаги Удмуртия Республикаси туб аҳолисини ташкил этувчи халқнинг номи (*қ.* **удмуртлар**). *Удмурт халқи. Удмурт миллати.*

2 Шу халқ, миллатга оид, мансуб. *Удмурт аёли.*

УДМУРТЛАР Удмуртия Республикасининг туб аҳолисини ташкил қиладиган, фин-угор тил гуруҳига мансуб пермь тилларидан бирида сўзлашадиган халқ.

УДУМ [*а.* عدوم – йўқлик, номавжудлик; йўқолган (йўқотилган) нарса] **1** Умум томонидан қабул қилинган ва амал қилинадиган тартиб; одат, расм. *Тошкентликда бағоят қадим Яшаб келар эзгу бир удум: Учрашганда биринчи сўроқ – «Тинчликми?» деб ҳол суриштирмоқ.* М. Шайхзода. *Қора уйларни эса, эски удумга кўра, фақат аёллар тикишади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 *с.т.* Айрим шахсга хос иш-машғулот, одат. *Паррандага ўч: ҳали қарқуноқ тутиб келади, ҳали бедана. Бобосининг удумини қилиб, овчи бўламан, дейди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УЕЗД [*қад. р.* ездь – йўл; кўча; юриш] *эск.* Чор Россиясида ва собиқ СССРда: 1929 йилгача губерна таркибидаги маъмурий-ҳудудий бўлинма. *Уезд ҳокими «акангни мингбоши қиламан» деб.. дегрезлик Исомиддин деган жаллобни сайлаган эди.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

УЗА Узра с. қисқарган шакли. *Боғинг уза рафтор ила ўтганда хиромон..* Т. Тўла.

УЗАЙМОҚ 1 Бўйига чўзилмоқ, узунлашмоқ. *Йўл узайди. Қуёш оғиб, соялар узайди.* ▬ *Катта-кичик дарахтларнинг ерга ташлаган кўланкалари, гердайиб кўкка узайган ҳайбатли қайрағочлар сирли, ваҳимали кўринди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Узоқ вақт давом этмоқ, чўзилмоқ. *Камбағал рўза тутса, кун узаяр.* «Қанотли сўзлар». *Сентябрнинг охирлари. Кунлар қисқариб, тунлар эса узая бошлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

УЗАЛА: **узала чўзилмоқ** (*ёки* **тушиб ётмоқ**) Бор бўйи билан ясланиб, чўзилиб ётмоқ. *Ёрмат майса устига узала чўзилиб, қаттиқ уҳ тортди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шерниёз узала тушиб, ухлаб қолган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳовлига чиқиб, бирпас айланиб киради-ю, яна узала тушиб ётиб олади.* С. Сиёев, Аваз.

УЗАЛАСИГА Бор бўйича чўзилган ҳолда. *Бир-икки чайқалиб, гул пайкали устига узаласига йиқилиб тушди.* «Муштум».

УЗАЛМОҚ *айн.* **узанмоқ**. *Саидий қизарди-да, узалиб, стол устида турган папиросдан бирини олиб тутатди ва илжайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Нортожи полвон узалиб, довуч-*

чалардан бирини олди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *«Энди ўлдим», деб узалиб ётди.* «Баҳром ва Гуландом».

УЗАМОҚ *кам қўлл.* Анча нари кетмоқ, узоқлашмоқ. *Тонг отди, қизлар узаб кетди.* «Равшан».

УЗАНА *шв. айн.* **узала, узаласига**. *Гоҳ узана, гоҳ чалқанча ерга ётдим.* Н. Нарзуллаев.

УЗАНГИ Эгарнинг икки томонига қайиш билан боғлаб, осиб қўйиладиган, отга миниш ва эгарда оёқларни тираб ўтириш учун хизмат қиладиган, металлдан ясалган от абзали. *Комил кумуш узангига оёқ учини қўйиб, эгарга миниб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Маълум отлиқ қутидорнинг дарвозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёғини узангидан узди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УЗАНГИСОЗ Узанги ясовчи темирчи уста. *Темиртош ўтрорлик бир узангисоз ҳунармандниинг биттаю битта ўғли эди.* М. Осим, Ўтрор.

УЗАНМОҚ 1 Бутун бўйи (гавдаси) билан чўзилмоқ, чўзилиб ётмоқ. *Буни пайқаган Отабек, ханжарини қинидан чиқариб, қўлига ушлагач, юзтубан ерга узанди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гиламга узаниб, бошини қўллари устига қўйди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Бирор нарсани олиш учун интилмоқ, қўл чўзмоқ; чўзилмоқ. *Кўзлари.. ёришиб кетди, лабларини ялаб, милтиққа узанди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тилов узаниб, каравотдан парёстиқ олди-ю, Жамшидга ялт қаради.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

3 *айн.* Узаймоқ, чўзилмоқ. *Тўхтамади замон дарёси, Кунлар ортди, узанди бўйим.* М. Шайхзода.

УЗАТМОҚ 1 Қўлидаги бирор нарсани бошқа бир шахсга бермоқ, қўл чўзиб тутқизмоқ, бировга тутмоқ. *Чой узатмоқ. Гул узатмоқ.* ■ *Раъно китобни секингина ёпиб, Анварга узатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Тамила унга сўрғич кийгизилган сутли шишани узатди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Юзини рўмол билан тўсган бир аёл деразадан ош узатди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *кўчма с.т.* Пора (пора тарзидаги нарса) бермоқ. *Унга бирор нарса узатмасангиз, ишингиз битмайди.*

3 Бирор томонга йўналтирмоқ, чўзмоқ, ёзмоқ; ростламоқ (оёқни, қўлни). *Шерали дум-думалоқ қўлини Каримга узатди.* С. Кароматов, Олтин қум. *У иккала оёғини узатиб, ўзини уйқу ихтиёрига топширди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 *спрт.* Ирғитиб, тепиб, иккинчи ўйинчига ўтказмоқ, етказиб бермоқ; оширмоқ (тўп, шайба ва ш.к. ни). *..бир-бирларининг қарши ҳужумларини мустаҳкамлаб, тўпни қисқа ва аниқ узатиб ўйнар эдилар.* Газетадан.

5 Маълум жойгача биргалашиб бормоқ, кузатмоқ. *Уни электр чироқли столба тагигача узатиб, сўнг хайрлашди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уста Олим Отабекни кўчагача узатиб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Бирор манзилга йўлламоқ, жўнатмоқ. *Она бугун узатади ўз ўғлини фронтга.* Ҳ. Олимжон. *Менгбой танишларини узатди, яна Ғаффор билан буфетга қайтиб кирди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

7 Етказмоқ, етказиб бермоқ. *Хабарларни узатмоқ, Электр токини узатмоқ.*

8 Турмушга чиқармоқ, эрга бермоқ. *Қиз бола ота-онага омонат, узатиб тинчий!* С. Зуннунова, Янги директор. *Сиз узатишни хоҳламасангиз ҳам, балки у эрга тегишни хоҳлаб қолгандир.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Келин қилсанг — йўқдан қил, қиз узатсанг — борга қил.* «Қанотли сўзлар».

Кўрпага қараб оёқ узатмоқ *қ.* **кўрпа. Оёқ узатиб** Хотиржам, бемалол. [*Фотима*:] *Мен ҳам дунёга умид билан келганман, оёғимни узатиб ўтирармиканман, деб ўғил ўстирганман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Пенсияга чиқиб кетиб, энди оёқни узатиб ётаман.* З. Эгамбердиев, К. Холмуҳамедов, Қари билганни — пари билмас. **Қаёққа узатса, қўли етади** *ёки* **қўлини қаёққа узатса, етади** Нимани истаса, шуни удда қилади; ҳар қандай мушкулотни ҳал қилишга қодир. [*Зуҳра:*] *Кимга гапирсанг, гапинг ўтади; қаёққа узатсанг, қўлинг етади.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

УЗВ [*а.* عضو — аъзо, тана қисмларидан бири] **1** Тана аъзоси; муча. *Саидийнинг икки йил ичида бўшаёзган иликлари тўлди, узвлари эшилиб бўртди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *[Бу мавжудотларда] Бош ўрнидаги узв пастга қараган, кўринишлари мискин ва қайғули эди.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

2 Бирор бутунликнинг ажралмас қисми, бўлаги. *Бу чаман шонли ватаннинг узви бўлгандан кейин..* Ғ. Ғулом.

УЗВИЙ Чамбарчас ҳолдаги, ўзаро боғланган; ажралмас. *Узвий алоқа.* ▬ *Навоий мусамматлари унинг улкан лирик меросининг узвий бир қисмидир.* «ЎТА». *Бундай ҳол турмушда такрор бўлиши мумкин, чунки бир иш иккинчиси билан узвий боғлиқдир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УЗГИЧ Электр токини узиш, улаш учун хизмат қиладиган мослама. *Аккумулятордан келаётган ток тўғридан-тўғри трансформаторга келмасдан, узгич-улагич орқали келади.* Газетадан.

УЗЕЛ I [*қад. р.* возеле < везати (вязать) – тўқимоқ; боғламоқ, бириктирмоқ] **1** Транспорт йўлларининг туташган, кесишиб ўтган жойи. *Энг йирик темир йўл узели – А. станцияси учун шиддатли жанг давом этмоқда эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бир жойга ўрнаштирилган, вазифаси жиҳатидан бир-бирига боғланган иншоотлар, механизмлар, қурилмалар ва ш.к. йиғиндиси. *Гидроиншоотлар узели.* ▬ *Қотишма тайёрлаш узелида қишга яхши тайёргарлик кўрилмаган.* Газетадан.

3 Машина ёки аппаратнинг ўзаро бириккан бир қанча содда деталлардан ташкил топган яхлит бир қисми. *Абдусаттор тракторнинг узелларини кўздан кечирди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шубҳасиз, пахта териш машинасида ҳамма узел ва агрегатлар муҳим.* Газетадан.

4 *анат.* Организмдаги маълум ҳужайраларнинг ғуж ўрнашган жойи; тугун. *Лимфатик узел. Нерв узели.*

УЗЕЛ II *денг.* Кемаларнинг бир соатда босиб ўтилган денгиз мили сони билан ҳисобланадиган тезлик ўлчови. *Пароход ўн икки узел тезликда юрди.*

УЗЗОЛ [*а.* عزال – узоқлашиш, ажралиш; пастга сакраш] *мус.* Ўзбек халқ куйларидан бири; Шашмақом таркибида маълум шўъба номи (куй ҳаракатида қўққисдан 4-5 поғона пастлаш рўй беради).

УЗЗУКУН Куни билан, кун бўйи. *Қўйлар уззукун ўтлаб тўймагандек, ердан бош кўтармайди, қўра томон жилгиси келмасди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Қорнинг ҳам очиққандир уззукун юриб, ҳозир овқатингни иситиб бераман.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

УЗИКМОҚ *шв. айн.* **узилмоқ 4.** *Дилшод Ғуломжонни аввал узикиб қолди, деб ўйлаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УЗИЛ-КЕСИЛ 1 *рвш.* Бекам-кўст, тўла ҳолда; батамом. *[Низомжон] Юрагида тўлибтошган гапларни узил-кесил тўкиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб, яна далага қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳали биз қипчоқ элидан узил-кесил қутулганимиз йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Муайян соҳага оид муаммолар, жумбоқлар шу соҳанинг кўпчилик олимлари ҳамкорлигидагина тўла ва узил-кесил ҳал этилиши мумкин.* «Фан ва турмуш».

2 Қарор ҳолига келган, қатъий. *Узил-кесил жавобимизни ўн кундан сўнг хабар қиламиз.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ниҳоят, Раҳматулла хаёлий режалардан чарчаб, узил-кесил қарорга келди.* «Ёшлик».

УЗИЛМОҚ 1 Узмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Умиди узилди. Алоқа узилди. Ўқ узилди. Тандирдан янги узилган нон. Ип ингичка еридан узилади.* Мақол. ▬ *Кўзлари жиддий, Маратдан узилмайди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Алоқаси, боғлиқлиги йўқ бўлмоқ; ажралмоқ. *Хотин кишининг уйдан узилиб, кўчага чиқиши осон эканми*! С. Анорбоев, Оқсой. [*Қодир Комилович*] *Халқдан узилиб қолганга ўхшайди.* Уйғун, Навбаҳор.

3 Давом этишдан тўхтамоқ. *Йигит узилган ширин тушини яна бир он кўриш умидида кўзларини юммоқчи бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Магазин эрталабдан кечгача очиқ, бу ердан эрталабдан кечгача хотин-халаж узилмасди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..кичкина қора қумғон тагидан олов узилмас эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Касали қайталамоқ, қайта оғирлашмоқ. *-Сен уринма, узилиб қоласан, – деди Маҳкам ака Фотима опага.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Одатда врачлар бемор олдига одам қўйишавермайди. Толиқади, узилади, дейишади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

5 Жон бермоқ, жон таслим қилмоқ; ўлмоқ. *..бир қултумгина сув ҳам ичолмай, гул ҳидлаб ётиб, бечора узилди.* Мирмуҳсин, Умид. *Калта-калта нафас олиб, шипга қараб ётиптилар.. Кун ёйилганда узилдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ичаги (*ёки* **ичи, қорни) узилмоқ** 1) қорни жуда очмоқ, очиқмоқ. [*Рузвон хола*:] *Қўй, болам, бунақа беҳуда хаёлларни.. Ол, ошингни ич, ичагинг ҳам узилиб кетгандир.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Ола қол.. қорнинг ҳам узилиб кетгандир..* С. Акбарий, Чўлдаги пар-

воз; 2) қаттиқ кулгидан ёки йиғидан ҳолдан тоймоқ. -*Чиройли йигит, ақлли йигит, — деб мақтай-мақтай, Тўйбеканинг ичаги узилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Насибаси (***ёки* **туз-насибаси) узилмоқ** Бирон ердан кетиш зарурати туғилмоқ, кетишга тўғри келмоқ. *Наҳот Зорқишлоқдан ҳам насибам узилган бўлса.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Еримиздан туз-насибанг узилмасин, болам!* М. Хайруллаев, Тилла маржон. **Оёғи узилмоқ** Келмай қўймоқ, келиш-кетишни тарк этмоқ, тўхтатмоқ. *Келди-кетди бўлиб, Низомжон уч-тўрт кун Дилдор билан бафуржа учрашолмади.. Ниҳоят, уйдан меҳмонларининг оёғи узилди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Юраги (***ёки* **юрагининг бир чети) узилмоқ** Бирор кимса ёки нарсага ачинмоқ, ғоят хафа бўлмоқ. *Жонузоқнинг юмалоқ қуйма гавдаси.. узоқдаги тунд буталар орасида кўздан яширинганида, Бобоқулнинг юраги узилиб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Нодир*] *Автобусга ўтириб, станцияга яқинлашгани сари, юрагининг бир чети узилиб қолгандек бўлаверди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

УЗЛАТ [*а.* عزلت — ёлғизланиш, яккаланиш; ёлғизлик] *кт. дин.* Кишилардан узоқ, якка ҳолдаги ҳаёт; холи жой; ёлғизлик. *Бу имонсизлардан имонимни асрай десанг, етти қат ер тагидаги жаҳаннамда ёнмай десанг, узлатга чекин, узлатга, бошингни олиб кет бу ердан, Бобоқул.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қолган кунларимни бир чеккада, узлатда худойи таолога сиғиниб, тоат-ибодатда яшамоқчиман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

УЗЛАТНИШИН [*а.+ ф.* عزلت نشین — узлатда ўтирувчи] *кт.* Узлатда яшовчи. *Назаримда, бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ, димиқиб ётган бу узлатнишин одамга бизнинг келишимиз деразадан отилиб кирган баҳор шабадасидек туйилиши керак эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

УЗЛУКМОҚ *шв. айн.* **узилмоқ 4.** [*Гавҳар*:] *Сал дармонга кирсангиз, яхши бўларди. Узлукиб қолмасмикансиз?* С. Зуннунова, Гулхан. *Икки мартаба одам юборганимда,* [*Абдумажиднинг хотини*] *унамабди, ҳали дармонга киргани йўқ, узлукади, дебди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

УЗЛУКСИЗ 1 Бирин-кетин, кетма-кет, пайдар-пай. *Машиналар узлуксиз ўтиб турипти.* ▬ *Бетон қоришмаси узлуксиз келиб туради.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Гранаталар узлуксиз учди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тўхтамасдан, тинимсиз, изчил равишда. *Икки сутка узлуксиз ёмғир ёғди.* ▬ *Йўл бўйлаб кетган симёғочлар эса узлуксиз гувуллайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши узлуксиз юксалиш йўлидан бормоқда.* Газетадан.

Узлуксиз таълим Ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими.

УЗМА Юпқа ёйилган хамирни қўлда узиб, қиймали шўрвага солиб пишириладиган таом.

УЗМОҚ 1 Куч билан тортиб, юлқиб, бутундан ажратмоқ, бутунни қисмга бўлмоқ. *Ҳўкиз бир силтаб, арқонни узиб юборди.* ▬ *Жўра пошша бўйнидан марварид маржонини чиқарди-да, ипини шарт-шарт узиб, марваридларни кигизга тўкди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Дуторчи дуторнинг қулоғини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Зиёдахон, зувала узар экан, ҳазиломуз жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Палак, новда ёки тупидан ажратиб олмоқ, кесмоқ. *Қовун узмоқ. Помидор узмоқ. Узум узмоқ. Олма узмоқ.* ▬ *..гулга термилиб ўтиришни эмас, ўша гулни узиб, искаб юришни ёқтиради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 Кесиб, қирқиб, жойидан бўлак қилмоқ. *Қилич билан бошини узмоқ.* ▬ *Глуховнинг иккала оёғини нақ сонидан снаряд узиб кетди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

4 Турган, ёпишган жойидан ажратмоқ, холи қилмоқ. *Бу харсангни ердан узиб бўлмайди. Тандирдан нон узмоқ.* ▬ *Жапақ қизчани бағридан зўрға узиб, отилиб ташқарига чиқди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Юнус.. тиззаларини оғриқ кемириб еб ташлаётган бўлса ҳам, бошини ёстиқдан узиб, қимирлатиб қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 Давом қилдирмаслик; тўхтатмоқ, кесмоқ. *Гапни узмоқ. Суҳбатни узмоқ.* ▬ [*Саодат*:] *Қўрқмасим ҳам борми, ўзингга эҳтиёт бўл, хатингни узма.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Бўй етган қиз, ҳозир сен билан алоқани узган, узмаса ҳам, бўшаштирган бўлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Қарзни тўламоқ, эвазини бермоқ (қайтармоқ). [*Ғофир*:] *Шунча қарзим бор эканми? Мен буни қандай узаман, бой ота?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Олган омонатини батамом уздими?* К. Яшин, Ҳамза. *..юртдан еган ошларини узиш ниятида тўй тараддудига тушди.* С. Аҳмад, Хазина.

7 Қаттиқ тишламоқ ёки чақмоқ; тишлаб ёки чақиб яраламоқ. *Итнинг иши — узмоқ, Ёмоннинг иши — бузмоқ.* Мақол. ▬ *Атрофда ғув-ғув пашша: оёқларга ёпишади, бурун катакларига суқилади, қулоқни узади.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 *кўчма* Қаттиқ таъсир қилиб азоб бермоқ, оғритмоқ, ачиштирмоқ (иссиқ, совуқ, зарб, гап-сўз ва ш.к. ҳақида). *Қизилқумда қиш изғирини баданни узиб ола бошлаган кезда, кечаги студент трассага келиб, колонна механиги бўлиб ишга тушган эди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Шудгор, қизиган мисдай, оёқни жизиллатиб узиб олади.* Ғ Ғулом, Тирилган мурда. *Пишиқ ўрилган чарм қамчин билан Йўлчининг очиқ кўкрагини ва бўйнини узиб олди..* Ойбек, Танланган асарлар. *..ўртоқ Қобилов шу гаплари билан Фармонқул акани бир узиб олди.* С. Маҳкамов, Шогирд.

Ичагини узмоқ Кулги ва ш.к. дан ҳолдан тойдирмоқ. *Ўтов оғаси Сулаймон оқсоқолни кулдириб ичагини узди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз** (*ёки* **кўзини) узмоқ** Нигоҳини олмоқ, қарамай қўймоқ. *Ҳасан узоқлашиб кетган машинадан кўзини узмай қотиб турарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Йўлчи гоҳ-гоҳ кўзларини ердан узиб, қисқа-қисқа жавоб бериб турарди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўнгил узмоқ** *қ.* **кўнгил**. *Аммо билимга чанқоқ болалар мактабдан кўнгилларини узмай, ўқишда давом этдилар.* К. Яшин, Ҳамза. **Оёқ** (*ёки* **оёғини, қадамини) узмоқ** *қ.* **оёқ**. *Хув ўша Моҳирўйжаҳонда ўқилган таърихдан кейин у Табибийнинг уйидан оёқ узиб кетган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Нега бизникидан қадам узиб кетдингиз ё кўнгил қоларлик гап ўтдими биздан?* К. Яшин, Ҳамза. **Тутган жойини** (*ёки* **ерини**) **узади** Айтганини, кўзлаганини амалга оширмай қўймайди. *Юмшоққина гапиради-ю, тутган ерини узаман дейди-я..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Умид** (*ёки* **умидини) узмоқ** Истагининг амалга ошмаслигига ишонмоқ, ундан воз кечмоқ, умидсиз ҳолатда бўлмоқ. *Ҳасан полвон умид узди ўзидан..* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Аваз ўғлон кўнглин бузиб боради, Дунёдан умидин узиб боради.* «Маликаи айёр». **Ўқ узмоқ** Ўқ отмоқ. *Мингта ўқни камонидан узади..* «Нурали». **Қулоқ узмай** Диққат билан қулоқ бериб. *Тағин бир неча дақиқа қулоқ узмай туриб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УЗОР [*а.* عذار — юздаги майин тук; юз, чеҳра] *эск. поэт.* Юз, рухсор. *Мунча латифу мунча соз лола узорини кўринг.* Ҳабибий.

УЗОҚ 1 Оралиқ масофаси (нисбатан) катта, нисбатан нарида жойлашган; олис. *Узоқ қишлоқдан келди. Овози узоқ-узоқларга етмоқ. Туяга миниб, узоқни кўзла.* Мақол. ▬ *Сидиқжоннинг кўзи дарёнинг у томонида, узоқ уфқда милтиллаб турган сон-саноқсиз чироқларга тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бир маҳалда узоқда қора нуқта кўринди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Вақт эътибори билан давомли, катта, кўп. *Узоқ тикилмоқ. Узоқ суҳбатлашмоқ. Узоқ кутмоқ. Узоқ муддатли кредит. Узоқ яшамоқ.* ▬ *Бу жанг узоққа бормайди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Сидиқжон узоқ сукут қилиб қолгандан кейин бош чайқади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Дўстлик, қариндошлик, танишлик ва ш.к. жиҳатдан боғланиш у қадар яқин бўлмаган, яқин эмас. *У ерда Элмуроднинг ҳам бир эмас, кўпгина узоқ қариндош-уруғлари бордир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меҳмон узоқ қариндош — отасининг аммавачаси — Аширмат эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Нурининг никоҳ куни у бегона қиз — узоқ қиз бутунлай таниш ва яқин бўлиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Бевосита алоқаси, муносабати йўқ; алоқасиз. *Бундоқ маслаҳатларда маҳкама соҳиби, аммо илму фандан узоқ Аҳмад Чалабий ҳам бир чеккада эснаб ўтирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Султонмурод шу вақтгача халқ тирикчилигидан узоқ яшар, унинг дардларига бегона эди.* Ойбек, Навоий.

Кўздан узоқ Назар-эътибордан четда. *Кўздан узоқ юр, уқдингми?* Ойбек, Навоий. **Узоқ гап** *с.т.* Амалга ошиши ёки юзага чиқиши қийин бўлган нарса ҳақида. *Офтоб ойим қариндошларидан жонкуяр деб танилган киши Кумушбибининг тоғаси — Аҳмадбек бўлиб, у ҳам умрининг кўпини Қўқондами, Хўжанддами ўтказар, шунинг учун ундан ёрий кутиш ҳам узоқ гап эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Узоқ йили Ўтган йилдан олдинги йил, бурноғи йил. *Бухорода, узоқ йили бетоб бўлиб ётганида ҳам, кўзига шундай мурдалар, алвастилар.. кўринган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Узоқни кўрмоқ** Келажак ҳақида тўғри фикр юрита билмоқ, оқибатини ўйлаб иш тутмоқ. *Бугунни эмас, узоқни кўриш керак, косовинг узун бўлса, қўлинг куймайди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ҳамма бало шу саводсизликдан чиқяпти. Узоқни кўролмайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Узоққа бормайди** Кўп давом этмайди, тез фурсатда барҳам топади, тамом бўлади. *Энди ўзини қаёққа урса ҳам, узоққа бормайди. Ҳисоботини эшитамиз-у, тамом.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Узоғи билан** Кўп деганда, кўпи билан. *Узоғи билан икки-уч кун ичида ишингизни оласиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Эҳтимолдан узоқ эмас** Амалга ошиши осон, бўлиши мумкин.

УЗОҚЛАМОҚ *кам қўлл.* **1** Кўп (анча) вақт ўтказмоқ (ўтмоқ). *Узоқламай Нормуҳаммад қушбеги Қўқондан бош тоблаб, ўз олдига мустақил ҳукумат эълон қилган бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *айн.* **узоқлашмоқ**. *Дилбар, гўё ўз номини унутгандек, орқасига қарамай узоқлаб кетди.* «Гулдаста». *Икромжон шовуллаб турган кимсасиз тўқай ичида анча узоқлаб кетган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

УЗОҚЛАШМОҚ **1** Бирор кимса ёки нарсадан нари (узоқ) кетмоқ; йироқлашмоқ. *Зайнаб орқасига қарай-қарай, Отабекдан узоқлашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Чойхўрлар бирин-кетин ўринларидан туриб, Ойқизнинг кўзидан узоқлашишга шошилар эдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 *кўчма* Қариндошлик, қадрдонлик, яқинлик алоқаларини сусайтирмоқ ёки йўқотмоқ; борди-келди қилмай қўймоқ; бегоналашмоқ. *У* [*Мирзакаримбой*] *ўз ичида ўйлади: «Онасининг узоқлашиб кетган тоғасини йигит бекорга йўқлаб келадими?»* Ойбек, Танланган асарлар. *Гавҳар бир нарсани тушунмасди: Одамлар ундан узоқлашяптими ё ўзи одамларга бегона бўлиб қоляптими?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Равшан эса лаҳза сайин бегоналашиб, узоқлашиб борар, ёнига йўлатмасди.* «Ёшлик».

УЗОҚЛИК **1** Узоқ эканлик, узоқ бўлиш. *Йўлнинг узоқлиги анча қийнади.*

2 Оралиқ масофа, масофа. *Қишлоқ шўроси Учқулоқ қишлоғига жойлашган. Тиктепадан узоқлиги уч чақиримча бор.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Узоқда бўлган жойлар, узоқда жойлашган ерлар. *Поёнсиз қирнинг.. кўз илғамайдиган узоқликлари туманлангансимон кўриниш берар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Гулнор*] *Шийпоннинг панжарасига яқин келиб, узоқликларга тикилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УЗОҚМОҚ *кам қўлл.* Узоқ вақт келмай қолмоқ; ҳаяллаб қолиб кетмоқ. *Ишбоши дейман, шаҳарда жуда узоқиб қолдингиз, қани, ўтиринг, нима гаплар бор?* Ҳ. Шамс, Душман.

УЗР [*а.* عذر — кечирим; кечириш, оқлаш; баҳона, сабаб] **1** *кам қўлл.* Кечириш, афв этиш. *Ёшликда ҳаммадан ҳам хатолик ўтади. Кичикдан — хато, каттадан — узр.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бирон иш, хатти-ҳаракатни оқловчи нарса; сабаб, важ. *Ишлашдан қўрқишим тўғрисидаги узримни айтиб йиғладим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Уйланиш сизга ҳам фарз, ҳам қарз. Бунга қолганда, албатта, бир узр кўрсатолмайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Молимизни ортган туякашлар шу саройга тайинланган эдилар. -Ҳар ҳолда, бу узр эмас!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Афв этиш, кечириш ҳақидаги илтимос; кечирим. *Ўтиб кетган, ҳозир ҳаммамизни ҳам хижолатга қўйган иш тўғрисида Фармонқул, узр тариқасида бўлса ҳам, гап очармикин, деб хавотирда эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Узр сўрамоқ (*ёки* **айтмоқ**) Гуноҳини кечиришни, афв этишни илтимос қилмоқ. *Юсуфжонов шу хаёлда келаркан, ўзини бир аёлга уриб олиб, ундан зўрға узр сўради.* Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. *Бор, жонгинам, амакингга, Саврихон аяга узр айт.* «Муштум».

4 *унд.с.* «Афв этинг», «кечиринг» маъноларида ишлатилади. *-Узр, сизни қўрқитиб юбордим, — деди Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Узр, айбга буюрмайсиз, — деди Нусратбек, олимни ишдан қолдираётганига ийманиб.* С. Нуров, Нарвон.

УЗРА (*б.к. билан*) *кўм. поэт.* Макон муносабатини билдиради; сиртида, устида ёки тепасида. *Ўрмонлар шувуллаган Олис юртда ҳали ҳам, Номсиз тепалик узра Ухлаб ётибди отам.* Э. Воҳидов. *Адирдаги лолалар кўмкўк майса узра чирой касб этган.* Газетадан.

Кетмонни расмана ушлаб, боши узра баланд кўтарди. С. Кароматов, Олтин қум.

УЗРЛИ Кечирса бўладиган, сабаби бор, сабабли. *Бугун узрли иш чиқиб қолди: Шаҳардан божамиз совға-салом билан келган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Одилжоннинг бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракати, Саодатга.. кўрсатган марҳамати олдида кечиримли, узрли эди. Бироқ бу найранги тутадиган тутумга тўғри келмасди.* «Ёшлик».

УЗР-МАЪЗУР [узр + маъзур] Кечирим сўраш ва афв этиш, кечириш; узр ва маъзур. *Узр-маъзур айтишмоқ.* ▬ *Айб сизда бўлса, бир узр-маъзур кечаси қиламиз.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Куёви билан узр-маъзур қилиб олган Пошша хола кечга томон уйига қайтди-ю, кўча эшиги олдида асло кутмаган кишисига йўлиқди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

УЗРСИЗ Асосли сабаби бўлмаган; асоссиз, сабабсиз. *Узрсиз сабаб. Машғулотдан узрсиз қолмоқ.*

УЗУАЛ [*лот.* usus – қўллаш, ишлатиш, фойдаланиш] *тлш.* Умум қўлланишга оид, умум қўланишга хос. *Узуал маъно.*

УЗУК Безак учун бармоққа тақиладиган, турли металлардан ҳар хил шакл ва катталикда ясаладиган ҳалқасимон заргарлик буюми. *Тилла узук. Ёқут кўзли узук. Узукка кўз солмоқ.* ▬ *Ҳожи хола узукни этдор синчалоғига ўтказа туриб, ҳиринглади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эримбет муштумига бежирим иягини тираб ўтирар, бармоғидаги узуги лунжига ботиб кетган эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Узукка кўз солгандай (*ёки* **қўйилгандай)** Бир-бирига ниҳоятда мос, муносиб. *Ёрматнинг қизини дадангизга қўшсак, нақ узукка қўйилган асл тошдай ўз жойига тушадими?* Ойбек, Танланган асарлар.

УЗУКЛИ Узуги бор, узук тақилган. *[Уста] Сопол обдастадан қўлига сув солиб, узукли қўллари билан бошимни ишқалай кетди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Валихон бриллиант узукли кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб таъкидлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

УЗУМ 1 Токнинг ғужумлардан иборат меваси. *Бир шингил узум. Узум ғужуми. Узум шарбати. Узумини енг, боғини сурриштирманг.* Мақол. ▬ *Салимбойвачча икки ишкомга кириб, бошдан-оёқ кўриб чиқди: Узум ток баргидан ҳам мўл.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир куни кўчада кетаётсам, Умри бир бош узум кўтариб келяпти.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 *с.т.* Ток. *Узум экмоқ. Узумни хомток қилмоқ.*

УЗУМЗОР Ток экилган ер, токли майдон, боғ. *Боғ ва узумзорлар, полизлар.. мўл ҳосилни кўз-кўз қиларди.* «Саодат». *Бу ер узумзор экан. Улар биринчи ишкомга кириб олдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

УЗУМЧИ 1 Ток экиш ва узум етиштириш билан шуғулланувчи мутахассис, боғбон.

2 Кўплаб узум олувчи, узум билан савдо қилувчи шахс. *-Гард орасидан ориқ байталга минган бир узумчи чол пайдо бўлди, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

УЗУМЧИЛИК 1 Боғдорчиликнинг ток ўстириш ва узум етиштириш билан шуғулланадиган тармоғи. *Узумчиликни ривожлантирмоқ.*

2 Токнинг биологик хусусиятлари ва уни ўстириш усулларини ўрганадиган фан (ўсимликшуносликнинг бир бўлими).

УЗУН 1 Бўйига, узунасига ўлчами катта, меъёридан ортиқ. *Узун сим. Узун соч. Узун ёғоч.* ▬ *Адолат қалин ва узун киприкларини ялт этиб кўтариб, Норматга қаради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Илк кўклам ёғдулари ўқув корпусининг узун коридорларини равшанлаштириб юборган.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Куёв узун ва кенг зарбоф тўн кийиб, катта салласига кўркам олтин жиға қўндириб, ҳавони титратган карнайлар, сурнайлар садоси билан ўзиникига кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Баланд, новча. *Узун терак.* ▬ *Ҳасан сўфи узун, нозик гавдасини чўзиб, ерга ётди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Узоқ вақт давом этадиган, чўзиладиган; тезда тугамайдиган; давомли, узоқ. *Узун маъруза. Узун эртак.* ▬ *Қишнинг узун тунлари бу ерда улфатлар гап ейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг кичик, кўкишроқ кўзлари.. узун умрининг тарихини жонли ифода қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Арқонни узун ташламоқ *қ.* **арқон. Узун косов** Ҳар қандай буйруқни бажарувчи, зарар етказмайдиган. *Сен пистони чақилган одамсан, бизнинг қўлимизда узун косов бўлиб хизмат қилишдан бошқа ишга ярамайсан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

УЗУНАСИГА *рвш.* Бўйи томонга қараб; бўйига томон. *Йигит қулочини катта отиб, сувни шақ-шақ савалаб, қирғоқ бўйлаб – узунасига сузди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳовлининг узунасига икки бети баланд лой томли иморат бўлиб, янги бинога тақаладi.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

УЗУНЛАШМОҚ Узун бўлмоқ, узаймоқ. *Қуёш оғса, соялар узунлашади.* ▬ *Шамол кучайиб, оловнинг тили яна ҳам узунлашди.* С. Аҳмад, Уфқ.

УЗУНЛИК 1 Узунасига ўлчами, бўйи. *Дарёнинг узунлиги. Сочнинг узунлиги.* ▬ *Шербек бўлса, қўлидаги линейкаси билан қўзичоқнинг жунини ўлчар ва дафтарига унинг.. узунлигини ёзиб қўярди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қазиладиган ариқнинг узунлиги ўттиз чақирим.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *геогр.* Бош меридиандан экватор бўйлаб кетган ва градуслар билан ўлчанадиган масофа (ер сатҳи юзасидаги нуқтани аниқлаш учун хизмат қилади). *Шарқий узунлик. Ғарбий узунлик.*

УЗУНЧОҚ Энига қараганда бўйи анча чўзиқ, анча узун; чўзинчоқ. *Узунчоқ юзли одам.* ▬ *Узунчоқ столнинг икки четида идора хизматчилари ўтирибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Карп балиқларининг гавдаси қўполроқ, узунчоқ, ўзи читтакдай чаққон.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УЗУНҚАНОТ Қалдирғочнинг қанотлари бўйига нисбатан узунроқ бир тури.

УЗУНҚУЛОҚ: **узунқулоқ гаплар** Оғиздан оғизга ўтиб юрган, бир-биридан эшитилиб етиб келган гаплар. *Шум хабарнинг қулоғи бўлади дегандай, узунқулоқ гаплар Хоразмнинг қишлоқларига тарқалди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

УЗУРПАТОР [*лот.* usurpator < usurpare – фойдаланмоқ, қўлламоқ; даъво қилмоқ] Ҳокимиятни ноқонуний эгаллаб олган ёки бировнинг ҳуқуқларини тортиб олган шахс.

УЗУРПАЦИЯ [*лот.* usurpatio – фойдаланиш; ишлатиш; эгаллаб олиш] Куч ишлатиб, қонунга зид равишда ҳокимиятни эгаллаб олиш ёки кимсанинг ҳуқуқларини ўзлаштириб, ўзиники қилиб олиш.

УЗУҚ 1 Узилиб қолган, узилиб кетган, узилган. *Узуқ арқон. Узуқ сим.*

2 Бир-бирига боғланмаган, бетартиб; узуқ-юлуқ. *Узуқ хаёллар. Узуқ гап-сўзлар.* ▬ *Бирдан қий-чув, қизлар галаси Қуршаб олар шодлик, ҳаяжон Барин қучган. Гап-сўзлар узуқ.* Ойбек.

УЗУҚ-ЮЛУҚ 1 Бир неча еридан узилган; узилган-юлинган. [*Ҳаммолларнинг*] *Белида, елкасида эски-туски нарса, узуқ-юлуқ арқон, кийимлари жулдур, ифлос.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир-бирига боғланмаган; чала-чулпа. *Ширмонхоннинг қулоғига узуқ-юлуқ сўзлар чалинди-ю, ҳеч нарса уқолмади.* С. Зуннунова, Олов. *Бу ҳолатда уларнинг суҳбати ҳам узуқ-юлуқ.. боғланишсиз давом этарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

УЙ 1 Яшаш учун ёки турли ташкилот, муассаса ва ш.к. жойлашиши учун мўлжалланган бино. *Уч хонали уй. Беш қаватли уй.* ▬ *Баъзан кўринар кўзга Шоҳона уйлар кўркам.* Ғайратий. *Фақат канал эмас, балки тўғонлар, шлюзлар, темир-бетон уйлар ҳам бир йўла ва бирданига қурилаётганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Яшаш учун мўлжалланган бино ичидаги ҳар бир хона. *Бу бино уч уй ва бир айвондан иборат. Ёруғ уй. Кенг уй.* ▬ *Уйларда, айвонларда хотинлар кўп эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Очиқ эшикдан эсган шамол уй ичида Сабогулнинг сочларини тўзғитди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Бирор ижтимоий талабни қондиришга қаратилган муассаса. *Меҳрибонлик уйи. Дам олиш уйи. Маданият уйи.* ▬ *Қуёшнинг аксида кўринар яққол Маърифат уйига ташланган қадам.* Ғайратий.

4 Бирор оила ёки хонадон ўрнашган бино ва шу бинога тааллуқли ер; ҳовли. *Қизлик уйга қирқ от бойланар.* Мақол. ▬ *Уйлар, кўчалар қулф уриб гуллаган дарахтлар орасига шўнғиган.* «Гулдаста». *Боғ кўча тамом бўлганидан кейин бригадирнинг уйидан ўтишга тўғри келади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

5 Оила; хонадон. *Қирқ уй қуда бўлса, қирқ йил қирғин бўлмас.* Мақол. *Ёмон арава йўл бузар, Ёмон киши уй бузар.* Мақол. ▬ *Фарзанд – уй ободлиги, Келажак ниҳолидир!* Ё. Мирзо. *Уйдагилар менинг ҳавойироқ бўлиб қолганимни билишади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Уй ичи Оила аъзолари. [*Холисхон*:] *Уй ичларимиз қалай, бариси тирикми?* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Уйи бузилмоқ** Эр-хотиннинг ажралганлиги, оиласи барбод бўлганлигини билдиради. **Уйи куймоқ**

Хонавайрон бўлмоқ. *..унда менинг уйим куяди-ку, ахир.* К. Яшин, Ҳамза.

УЙДИРМА Ўйлаб, тўқиб чиқарилган; ёлғон. *Айбдор ўз уйдирмаларини исботлашга тиришди.* ▬ *Эртасига Исломхўжа ҳақида уйдирма гаплар, фисқ-фасодлар тўқилди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

УЙДИРМАЧИ Ёлғон-яшиқ гапларни ўйлаб, тўқиб чиқарувчи; ёлғончи.

УЙДИРМОҚ I **1 Уймоқ** фл. орт. н.

2 *шв.* Қовоғини солмоқ. *Кокилингнинг банди-бандин туйдирма, Қошинг кериб, қовоғингни уйдирма.* «Равшан».

УЙДИРМОҚ II Ёлғон, туҳмат гаплар тўқимоқ. *Ниҳоят, улар ҳийла билан туҳмат уйдирадилар.* Ҳамза, Танланган асарлар.

УЙ-ЖОЙ 1 Яшаб, истиқомат қилинадиган жой, ҳовли ва ш.к. *Қиз уларнинг болаларини боқади, кирларини ювади, уй-жойларини йиғиштиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Элмурод.. ўз оиласининг уй-жойидан ажраб, қишлоқдан чиқиб кетганини хаёлидан ўтказар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Оила; рўзғор, хўжалик. [*Қори:*] *Ийе, онангиз бўлса, уй-жойингиз бўлса.. давлатку!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гулнор қиз билан гаплашганда, унинг қишлоғи, уй-жой тирикчиликлари.. тўғрисида сўз очар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УЙ-ЖОЙЛИ 1 Уй-жойи бор, уй-жойга эга.

2 Оилали, бола-чақали. *Болаларни уйли-жойли қилмоқ. Уй-жойли киши.*

УЙИМОҚ *с.т.* Ивимоқ. *Кейинроқ хурмачанинг устини очиб қўйгин, ўзинг биласан-ку, болам, яна зардоб йиғиб, уйимай қолмасин.* С. Анорбоев, Шерали.

УЙКЎРАР *этн.* Бўлажак келин қариндошларининг куёв бўлмиш йигитнинг уй-жойи, хонадони билан танишиши маросими.

УЙЛАМОҚ *шв. айн.* **уйлантирмоқ.**

УЙЛАНМОҚ Бирор қиз ёки аёлни ўз никоҳига олмоқ, оила қурмоқ (эр киши ҳақида). *Толибжонбойнинг.. икки ўғли уйланган, бир қизи эрга теккан, набиралари ҳам бор.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўшнилар, шу Ваҳобжон уйлана қолсайди, ўзидан тинчиб кетармиди, дейишади.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Йигит бирдан уйланиш тараддудига тушди-ю, бир ҳафтанинг ичида тўй ҳам бўла қолди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

УЙЛАНТИРМОҚ Уйланмоқ фл. орт. н. *..бир ойча аввал отаси уни Тошкентнинг Қашқар маҳалласидаги бадавлат хонадонлардан бирининг қизига уйлантирган.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳайдар ота бош бўлиб* [*Асрорқулни*] *бир бева хотинга уйлантириб қўйди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

УЙЛИ 1 Уйга эга, ўз уйи бор. *Уйли куёв.*

2 Уйлардан ташкил топган, уйлардан иборат. *Беш юз уйли қишлоқ.* ▬ *Бу — сой бўйлаб баланд тоғ ёнбағирларига тизилишган қинғир-қийшиқ уйли бир қишлоқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Хотини бор, уйланган ёки эри бор, эрга теккан. *Уйли йигит. Уйли хотин.*

УЙМАЛАНМОҚ 1 Бирор нарса, юмуш билан шуғулланмоқ, овора, машғул бўлмоқ. *Бир оздан кейин Чўливой ака ҳалиги нарсаларни олиб кетди ва яна эгатларнинг бошида уймаланди.* О. Ҳусанов, Най.

2 Бирор жойда тўпланишмоқ; ўралашмоқ. *Дераза яқинидаги бир каллакланган тутнинг бутоқларида.. қора тумшуқ чумчуқлар уймаланган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сандиқ ёнида уймаланиб ётган кўрпа-тўшак устига ўзини юзтубан ташлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УЙМАЛАШМОҚ *айн.* **уймаланмоқ 2**. *Қироатхонанинг шашка-шахмат бўлимида бир тўда ўқувчилар уймалашиб, ҳеч кимга қарашмайди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Янги машинада тикиб кўриш учун Замон, Зуҳра, Ҳанифа унинг тепасида уймалашиб туришганди.* Н. Назаров, Замон.

УЙМОҚ Устма-уст қалаштириб, бир ерга тўпламоқ, уюм ёки ғарам ҳосил қилмоқ; йиғмоқ. *Тошларни бир ерга уймоқ. Терилган пахтани уймоқ. Беда уймоқ.* ▬ *Қамишларни боғ-боғ қилиб, канал ичига уйиб, ёқишадиган бўлишди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бўтабойни қурол-яроғ уйиб ташлаган бир ҳужрага олиб киришди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *..юз-қўлини ювиб, муздаккина бўлиб олгач, ўз экскаватори ҳозиргина уйган тупроқ тепа устига чиқиб, чордана қурди.* Ш. Ғуломов, Шонли авлод.

Қовоқ уймоқ *айн.* **қовоқ солмоқ** *қ.* **қовоқ** II. *Райком секретарининг қовоқ уйиб, ер тагидан назар ташлаганини кўриб, бирдан унинг нафаси ичига тушиб кетди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

УЙ-РЎЗҒОР Оила хўжалиги (ишлари), тирикчилик. *Сорахон ҳам уй-рўзғор тутишни ўрганади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Уй-рўзғорга ҳам эпчил: яхши кийинади, яхши ейди. Ўн кулиб, бир гапиради.* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Ҳамма айни шу маҳалда уй-рўзғор иши ва кечки овқат билан банд бўлганидан, гузарда ҳеч ким кўринмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Уй-рўзғор қилмоқ Оила қурмоқ (қилмоқ). *Уй-рўзғор қилиб, бирон кун яйраганим йўқ.* С. Аҳмад, Хазина.

УЙСИЗ 1 Уйи йўқ; ўз уйи йўқ. *Уйсиз куёв.*

2 Хотини йўқ, уйланмаган ёки эри йўқ, эрга тегмаган.

УЙСОЗ Уй қуриш иши билан шуғулланувчи; бинокор. *Кран ковши тўлиши билан Файзи дарҳол уни юқори кўтарар ва том устида турган уйсозларга узатарди.* Газетадан.

УЙСОЗЛИК Уй, бино қуриш иши, бинокорлик. *Тошкент уйсозлик комбинати.*

УЙҚАШ 1 Бир-бирига ниҳоятда яқин, ўхшаш. *Менман бу — ўзбекнинг фахрий хўжаси, Уйқашга ўхшайди исмимиз бир оз.* А. Орипов.

2 Мос, монанд, уйғун; ярашган. *Ўсиқ қоши ўткир қора кўзларига уйқаш тушган йигитга лаб жуфтладим.* С. Нуров, Дурдона.

3 *кўм. взф.* Каби. *Мен сизни япроқлар рангига уйқаш Бокира муҳаббат билан севаман.* Х. Даврон.

УЙҚИ-ТУЙҚИ *шв. айн.* **айқаш-уйқаш.**

УЙҚУ 1 Одам ва ҳайвонларда даврий юз берадиган физиологик ҳолат (Уйқуда нерв системаси, асосан, бош мия пўстлоғининг фаоллиги пасаяди, онг, мускул тонуси ва сезувчанлик сусаяди). *Қаттиқ уйқу. Ширин уйқу. Уйқум келди. Уйқу арслонни ҳам йиқитар.* Мақол. ▬ *Ғуломжоннинг ухлаб қолганини ҳам, уйқусида ширин тушлар кўраётганини ҳам билмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Доридан ичгандан кейин юрак сиқилиши камайиб, уйқуси ҳам бир оз яхшиланди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Иштаҳа йўқ, уйқу бузилган, бошим ари тўлдирилган қовоқдек гувуллагани-гувуллаган.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Кошона эгалари* [*рўзада*] *салқин хоналарда ётиб, уйқу билан жон сақлашни одат қилганлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* «Ҳаёт»дан тўхтаган, ҳаракатсиз, шовқин-суронсиз, тинч ҳолат (табиат ҳодисалари ва ш.к. га нисбатан). *Она табиат, эртанги кураш олдидан мириқиб дам олишга чоғланган паҳлавонлардай, оғир уйқуга чўмганди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Дов-дарахтлар қиш уйқусидан уйғониб, баҳорни олқишлайдилар.* Газетадан. *Асрлар ухлаган саҳро уйқусин Маҳв этдик, бир йўла айладик бедор.* Ғайратий.

Абадий уйқу *кт.* Ўлим. *Балки абадий уйқудамисан, Салтанат!* С. Аҳмад, Ҳукм. **Кўзи уйқуга кетмоқ** Кўз юмилиб, уйқу(си) бошланмоқ. *Қўчқор билан Акмални топиб, юмшоқ похолга чўзилди, кўзи уйқуга кетаркан, ўзича жилмайди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Кўзига уйқу келмоқ** Уйқу билан кўзлар юмилмоқ, уйқу тортмоқ. *Тун ярим кечадан оғган, Нодирнинг кўзига уйқу келмасди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Кўзларига уйқу келган шогирд бола мумли ипни қир-қир чўзиб, қатим тортар..* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўз(и)да уйқу йўқ** Уйқу келмаган, уйқусиз ҳолатни билдиради. *Хаёлий бир ишқ билан Кўзларимда уйқу йўқ.* Миртемир. **Маст уйқу** Роҳатли қаттиқ уйқу. *Тўпанисо бир текисда нафас олиб, маст уйқуда ётар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ноз уйқу** *қ.* **ноз 3.** *Бир куни ана шунақа ноз уйқуда ётган эканман, «Бемор Бакиров, укол!» деган товушдан уйғониб кетдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Уйқу бермаслик** Ухлашга қўймаслик, ухлатмаслик. *Шу-шу бўлиб, бу йигитнинг сурати, унинг майин жилмайиши.. Шаҳзодага уйқу бермай қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. **Уйқу босмоқ** Уйқу ўз таъсирига тортмоқ. *Яна ортиқ туриб қолинса, уйқу босиб, совиб қолишдан қўрққан аравакаш: -Майманага етиб олгач, карвонсаройда ухлаб, яхшилаб дам оламиз, — деди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Уйқу йўқ** Уйқу(си) келмайди, ухламайди. *Уйқуси йўқ, ҳаловати йўқ, Қайғу эзар, эрк уларга ёт.* Ғайратий. *Қизда уйқу йўқ. Унинг бадани қизиган.. юраги шиддатли уради.* Ойбек, Танланган асарлар. **Уйқу олмоқ** Уйқу ўз таъсирига тортмоқ. *Эртадан кечгача яйлов далада тинмай ўйнаб чарчаган шўх болаларни бир лаҳзада ва бирдан уйқу олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кечаси билан уйқу олмади, кўзимни юмиб, Сўнагулни кўз олдимга келтириб.. гаплашиб чиқдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **Уйқу танг қилмоқ** Уйқу

талаби кучаймоқ. *Ниҳоят, кута-кута уйқуси танг қилгач, ўрнига чўзилиб.. ухлаб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Уйқу элитмоқ** *айн.* **уйқу олмоқ.** *Кўп ўтмай Меъморни уйқу элитди..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Уйқуга бормоқ** *айн.* **уйқуга кетмоқ.** *Туҳфа бирдан хохолаб юборди. Бу кулгидан уйқуга борган қизлардан баъзиси чўчиб кетди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Уйқуга кетмоқ** Уйқу ҳолатига ўтмоқ, ухлаб қолмоқ. *Бутун баданим зирқираб, ўринга кирибман-у, салда уйқуга кетибман.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. **Уйқуни олмоқ** Ухламоқ, ухлаб турмоқ. *Роса уйқуни олдик.* **Уйқуси келмоқ** Уйқуга хоҳиш, эҳтиёж уйғонмоқ. *Камолиддин уйқуси келмаса ҳам, ўринга кириб ётди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. **Уйқу(си) ўчмоқ** Уйқуга хоҳиш, талаб ҳолат(и) тарқамоқ, йўқ бўлмоқ. *Ўринга ётганда, тезроқ тонг отишини кутиб, ҳорғинлигига қарамай, уйқуси ўчиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кечаси поездда ухламагани учун.. мизғиб олгиси келарди. Ечиниб ўтирмасдан, дарров ётди.. Аммо энди уйқуси ўчиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Уйқуси қочмоқ** Уйқу тарк этмоқ, уйқуси ўчмоқ. *У кечаси билан тўлғаниб чиқди, уйқуси қочди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Темиржон алламаҳалгача уйқуси қочиб, Усмонали отанинг Ҳилол ака ҳақидаги гапларини эслаб ётди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. **Ярим уйқу** Чала уйқу, уйқули-уйқусиз ҳолат. *Ана шундай кунларнинг бирида Ширмонхон ярим уйқу, ярим хаёл орасида дарвоза тақиллаганини эшитди.* С. Зуннунова, Олов. **Қуш уйқуси** Тез-тез уйғониш билан бўладиган, енгил-елпи, қисқа уйқу. *-Қуш уйқуси, — деди она.* Ойбек, О.в. шабадалар.

УЙҚУЛИ Уйқу таъсиридаги, уйқу асорати бор, уйқу аралаш. *Улар* [*қизлар*] *секин-аста туришиб, уйқули кўзларини ишқай бошладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Уйқули товуш билан сўкиниб, қалин дарахтлар орасида зим-зиё тунда жангга тайёрландилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тун тонготарга яқинлашган, унинг* [*Ҳасаналининг*] *уйқули мияси бу муаммони еча билмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УЙҚУСИЗ Ухламаган, бедор. *Уйқусиз тунлар Сергейни ҳаддан ташқари толдирган бўлса ҳам, у оромини ўйламади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бирор одам унга узоқроқ қараб қолса борми, ҳадиксираб, кечаларни уйқусиз ўтказарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

УЙҚУСИЗЛИК Уйқунинг бузилиши; тунда кам ёки енгил-елпи ухлаш, уйқу келмаслик, бевақт уйғонавериш, жуда эрта уйқу ўчиб кетиш ва б. *Беморда тажанглик, уйқусизлик, иштаҳа йўқолиши.. жиззакилик ва тез жаҳл чиқиши каби нохуш аломатлар кузатилади.* Газетадан. *Қобил хотинидан икки қадам нарида тўхтади-да, уйқусизликдан қизарган кўзларини Баҳрига қадаб: -Нега келдинг? — деб сўради.* Ҳ. Ғулом, Маъшал. *Оғир ўйлар изтиробиданми, уйқусизликданми, ланж бўлиб турдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

УЙҚУСИРАМОҚ 1 Ухлашни жуда истаб қолмоқ, уйқуси ёки ухлагиси келмоқ; мудрамоқ. *Уйқусираб ўтирмоқ. Соқчи уйқусираган кўзларини ишқалади.* ▬ *Бу ўйларни тугатгандан кейин, унинг* [*Ҳасаналининг*] *кўзлари уйқусираб, юмила бошлаб, қаршисига Отабек келиб тўхтайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Уйқуда ёки уйқу аралаш бирор гап-сўз, хатти-ҳаракат қилмоқ. *Порахўр уйқусираса, хотинидан пул сўрар экан.* Газетадан. *Зеби уйқусираб келиб, яна фонарни ёқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Тун яримдан оғди.. эшик қия очиқ қолган шекилли, қўшни хонадан Умиджоннинг уйқусираб айтган гаплари қулоққа чалинди.* Р. Файзий, Гўзал.

УЙҚУТОБ *рвш.* Уйқуга мойил, уйқу элтаётган. *У* [*Элчибек*] *қулочини ёзди, сал кайф ва ширали хаёл билан уйқутоб бўлиб келаётган юз-кўзига аёз совуғи ёқди.* А. Мухтор, Туғилиш.

УЙҚУЧИ Кўп ухлайдиган, серуйқу. *Пўлат билан Нортой бўлса унга* [*Шуҳратга*] *«уйқучи» лақабини тиркашибди.* К. Раҳим, Олтин балиқ.

УЙҚУЧИЛ 1 *шв.* Уйқучи.

УЙҒОНИШ Уйғонмоқ фл. ҳар. н. *Куртакларнинг уйғониш даври. Меҳр уйғониши.* ▬ [*Ҳасанали*] *Эрталаб Ойбодоқнинг чойига бормай, Отабекнинг уйғонишини кутиб юрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Элмурод.. асрлар бўйи ғафлатда ётган кишиларнинг уйғониши бу одамда қувонч туғдираётганини кўрди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Уйғониш даври *тар.* Шарқда (9-12 ва 15-асрлар) ва Ғарбий Европада (14-16 асрлар) юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври; фан, адабиёт ва санъат

тараққиёти ҳамда улуғ кашфиёт ва ихтироларда ўз аксини топган ва антик маданиятга қизиқиш кучайган давр.

УЙҒОНМОҚ 1 Уйқусини тарк этмоқ, уйқудан турмоқ. *Ғуломжон чўчиб уйғонди-ю, теварагига аланглаб қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўз илинди дегунча каллага даҳшатли тушлар ўралашиб келиб, босинқираб-босинқираб уйғониб кетишар эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Бобоси унинг шарпасига уйғониб, тикилиб қолди.* С. Анорбоев, Ҳамқишлоқлар.

2 *кўчма* Ҳаёт, фаолиятга қўзғалмоқ, ҳаракатга келмоқ; амалга кирмоқ. *Тупроқ исиши билан, дов-дарахтлар уйғонмасдан бошлаш керак бу ишни..* С. Нуров, Нарвон. *Эгилиб турган қатор олчалар ҳам уйғонди; гулдан ҳали дарак йўғ-у, кўм-кўк, ушоқ-ушоқ япроқчалар чиқарди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

3 *кўчма* Пайдо бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ, қўзғалмоқ (ҳис, туйғу ва ш.к. ҳақида). *Унда адабиётга қизиқиш уйғонди.* ▬ *Буни кўриб Сидиқжоннинг қалбида жувонга нисбатан ҳар қандай ғараздан холи бир меҳр уйғонди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўсмирликда уйғонган ҳавас, Бориб-бориб бўлди муддао.* Ё. Мирзо.

УЙҒОҚ 1 Ухламаган ҳолатли. *Вақт ярим кечага яқинлашганди. Саодат ҳамон уйғоқ, хаёл суради.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Кемадагиларнинг ҳеч қайсиси ухламас, бари уйғоқ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Ҳаракат-фаолиятда бўлган; ҳушёр. *Кечалари киприкларимдай Мангу уйғоқ ўйларимдасан.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Ариқларда доим уйғоқ сув, Полизларга кетади шошиб.* Р. Парфи, Кўзлар.

УЙҒУН 1 Монанд ҳолатли; мос, мутаносиб, муносиб; ҳамоҳанг. *Тиниқ юзларингга севгинг ҳам уйғун..* Г. Жўраева. *Баҳор уйғонар, Шовуллайди боғ. Уйғун туйғулар Уйғонар бу чоғ.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик. *Атласнинг ёрқин безаклари чаманларга бурканган Ўзбекистон табиати фонига айниқса уйғун тушади.* «Фан ва турмуш».

2 Уйғун (эркаклар исми).

УЙҒУНЛАШМОҚ Бир-бирига монанд бўлмоқ, мос, мутаносиб бўлмоқ, ҳамоҳанг бўлмоқ. *Ҳеч бўлмаса, саройлар, клублар, маъмурий бинолар қурилишида замонавий усул билан қадимий шарқ услуби уйғунлашиб кетса яхши бўларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Баъзи қўшиқларда қўшиқ шеърига мусиқа, баъзиларида эса мусиқага шеър уйғунлашмайди.* Газетадан.

УЙҒУНЛИК Мутаносиб, мос ҳолат; мутаносиблик, ҳамоҳанглик. *У овозини баланд кўтармай, хиргойи даражасига ҳам туширмай, ажойиб бир уйғунликда айтаётир.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Назаримда, Жўрахон билан сайроқи жўрлар ва яшноқ табиат ўртасида уйғунлик бордек туйилди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

УЙҒУР Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян-Уйғур мухтор районида, шунингдек, Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларида яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи халқнинг номи. *Уйғур халқи. Уйғур миллати* (*қ.* **уйғурлар**).

2 Шу халқ, миллатга мансуб, оид, тегишли. *Уйғур тили. Уйғур ёзувчиси.*

УЙҒУРЛАР Хитой Халқ Республикаси Синьцзян-Уйғур мухтор районининг туб аҳолисини ташкил этган, туркий тилда сўзлашадиган халқ.

УЙҒУРЧА 1 Уйғурларга, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид, уйғурларга хос. *Уйғурча рақс. Уйғурча қўшиқ.*

2 Уйғур тили; уйғур тилидаги. *Сен уйғурча(ни) биласанми? Уйғурча гапирмоқ.* ▬ *Агар малол келмаса, асарларингиздан уйғурча ёки ўзбекча нашр қилинганларидан юборсангиз.* Газетадан.

УКА 1 Бир ота-она ўғилларидан кичиги (катта ёшдаги фарзандларга нисбатан). *Укаси ҳар гал уйдан чиқиб кетаётганида, кўнгли алланечук бўлиб кетар, кимдир бир оғиз илиқ гап айтса, қайтиб келгудек бўлар эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўшанда Шерали ўн бирдан ўн иккига қадам қўйган, укаси Муҳаммаджон уч ёшли дардчил бола эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Умуман, фарзандларнинг кичиги, кичиклари (каттасига нисбатан). *Қизалоқлар онасининг қўлидан қозон-товоқ, сидир-супур, тикиш-илишни олишади, укаларини ўйнатишади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *У отасидан йигирма ёшда қолиб, укаларини қийинчилик билан боққан.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Ўзидан ёш эр кишига мурожаатни билдиради. *Қаердан келгансиз, ука?* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Сафар бўзчи:*] *Ахир бировни*

ука, бировни ака деб, сиз ҳам тузукроқ ишга қайишинг-да, тақсир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

УКАЛИК Ука эканлик. *Укалигингни унутма.*

Укалик қилмоқ Укага хос ишни, ёрдамни адо этмоқ. *Ёрдамингиз керак, бир укалик қиласиз энди.*

УККИЛАР Япалоққушлар уруғидан бўлган йирик йиртқич тун қуши. *Бойўғлиларнинг энг катта вакили укки ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

УКЛАД [*р.* уклад – расмийлашган, барқарор тартиб] **1** *иқт.* Муайян ижтимоий-иқтисодий формациянинг асосий хўжалик шакли. *Масалани бу тахлитда қўйиш.. Германия битта ижтимоий-иқтисодий укладга эга яхлит давлат бўлиб турган вақтда ўринли бўлур эди.* Газетадан.

2 Ижтимоий ҳаётнинг, турмушнинг бирор соҳасида барқарорлашган ёки жорий қилин(ади)ган тартиб. *Кишиларимиз турмушининг бутун уклади, уларнинг маишати ва дунёқарашининг ўзгарганлиги..* Газетадан.

УКОЛ [*р.* колоть, укалывать – «бирор учли, ўткир нарса билан тегиб оғритмоқ» фл. дан] Баданга, тери остига, томирга шприц воситасида суюқ дори юбориш. *Укол қилмоқ.* ▬ *Уколдан кейин Хосият, гарчи кўзини очмаса ҳам, лекин равон нафас ола бошлади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Иситмам баланд эди. Устма-уст уколдан анча пасайди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Стол устида шприц қутиси очиқ турар ва дори ҳиди анқирди – врач укол қилиб, уни бир оз ўзига келтирганди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

УКПА *махс.* Майин юпқа чарм. *Қўнжи укпа, юзи тошдан қаттиқ қўпол чарм билан қопланган.. этикни кийди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Белларини фўталар билан боғлаган, бошларида оддий телпак ва оёқларида укпа этик бўлган йигитлар югурардилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

УКПАР 1 Укки пати (одатда болалар кийимлари, асосан, бош кийимини безатиш учун унга чатиб қўйилади). *Аксар хотинларнинг олди-орқаси тўла катта-кичик, ясанган-тусанган, укпар таққан болалар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Укпардек майин ва енгил нарсага нисбатан қўлланади. *Борар эдик сой аро, -Тулки, – деди болалар, Судратиб укпар думин Тулки кўздан йўқолар.* Қ. Муҳаммадий. *Мени укпар қанотида олиб юрар ўйларим.* Э. Воҳидов.

УКРАИН 1 Украина Республикаси туб аҳолисини ташкил этувчи, шарқий славянлар гуруҳига мансуб халқнинг номи. *Украин халқи* (*қ.* **украинлар**).

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли. *Украин тили. Украин қизи.*

УКРАИНЛАР Украина Республикасининг туб аҳолисини ташкил этувчи, шарқий славянлар гуруҳига мансуб халқ.

УКРАИНЧА 1 Украин халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид; украинларга хос. *Украинча куй.* ▬ *Украинча кўйлагининг енгини ҳилпиратганича ўрта бўй.. киши хонага кирди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Украин тили. *Сен украинча(ни) биласанми?* ▬ *«Запорожелик Дунайнинг нарёғида» деган ашулани украинча айтиб қувонтирар, кулдирар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

УКРОП [*р.* укроп < копёр – хушбўй ўсимлик] Соябонгуллилар оиласига мунсуб бир йиллик, баъзан икки йиллик хушбўй ўтсимон ўсимлик; шивит; ошкўклардан бири. *Малик ака.. бозордан кашнич, укроп, кўк пиёз.. сотиб олмайди.* «Муштум». *Бу суюқ ош юзига майда кертилган укроп, райҳон солиб, косаларда дастурхонга тортилади.* «Саодат».

УКСУС [*р.* уксус < *юн.* oxys – аччиқ, нордон] *қ.* **сирка** I. *..жорий йилда 1000 тонна уксус кислотаси ишлаб чиқарилди.* Газетадан.

УЛ (у – *чўзиқ*) *шв.* Ўғил. *Бежой билдим, тўрам, Ёдгор улингни, Аймоқнинг юртига талаб қилибди; Қандай жўнатасан жону дилингни?!* «Ёдгор». *Армон билан мен улдан айрилдим дер, Кетганингни, болам, билмай қолдим дер.* «Равшан».

УЛ *эск. айн.* **у** II. *Ой билан ошно бўлиб, йилларча ўйнанг ул билан.* М. Муҳамедов, Гавҳар. *Югуриб чиққан ул мушфиқ онамларга салом айтинг.* Ҳамза.

УЛАГИЧ 1 Нарсаларни бир-бирига бириктириш, улаш учун ишлатиладиган восита. *Шиша бўлаклари, одатда, бир-бирига қўрғошиндан қилинган улагичлар ёрдамида уланади.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиш тарихидан.

2 Электр токини узиш, улаш учун хизмат қиладиган мослама. *Аккумулятордан*

келаётган ток тўғридан-тўғри трансформаторга келмасдан, узгич-улагич орқали келади. Газетадан.

УЛАЙ-БУЛАЙ *с.т.* У-бу. *Агар улай-булайинг бўлса, айт ҳозир! Ҳам сенинг, ҳам Ёдгорнинг, ҳам у кишининг ишини баравар қиламан.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бойлар қишлоқнинг бир хил каттаконлари билан чиқишиб, ҳукуматдан қўрқмай, улай-булай қилиб, камбағал батракни ишлатиб турди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

УЛАМА Бириктириб, улаб қўйиладиган, уланган. *Улама соч. Улама киприк. Улама оёқ.* ▬ *Унинг пиджаги билан галстуги стул суянчиғига осиб қўйилган; кўйлагининг улама ёқаси яғринига қийшайиб тушган, олдида ёзиб-чизиб ташланган қоғоз тахланиб ётибди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

УЛАМО [*а.* علماء – «олим» с. кўпл.] Ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари. *-Дуруст, миянг тўлибди, – деди кулиб Тантибойвачча, – яқин ўртада унча-мунча уламони бир чўқишда қочирасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Маъдалихон [Муҳаммад Алихон]га фатво ёзиб берган Қўқон уламоларидан бир нечалари.. қочиб қутулдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *-Ёшларга ҳомийлик қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш исломнинг, уламоларнинг ишидир, – деди қалтираб, бўзариб мунофиқлардан бири.* Ойбек, Нур қидириб.

УЛАМОҚ 1 Ип, арқон, тасма ва ш.к. нарсаларнинг учларини бир-бирига боғлаб бириктирмоқ. *Отнинг тизгинига арқон улаб беринглар, ўзим ҳайдаб кетавераман.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *-Шошманглар, шошманглар, – деди дуторнинг ипини улаётган Мели полвон.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тоҳир иккала белбоғини бир-бирига улаб, бир четини белига боғлаб, кўприкнинг тагига осилиб тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бутунлаш мақсадида ямаш, пайвандлаш ва ш.к. йўл билан бириктирмоқ. *..даҳлизда Ҳасанали узилган от асбобларини улаб тикар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўлда чанғароғи синган экан, шуни улаймиз деб уриниб қолдик.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Қулоч етмас баҳайбат қувурларни бир-бирига улаш ишлари кетяпти.* Газетадан.

3 *кўчма* Туташтирмоқ, боғламоқ. *Ғишт-кўприк иккита катта кўчани бир-бирига улайди.* «Шарқ юлдузи».

4 *қ.х.* Пайванд қилмоқ. *Гилосни олчага уламоқ. Наъматакка атиргулни уламоқ.*

5 *кўчма* Биридан кейин бошқасини қўшиб, узлуксиз давом эттирмоқ. *Ишни ишга уламоқ. Куйни куйга уламоқ. Кунни тунга уламоқ.* ▬ *У ҳар тўғрида тинимсиз гапириб, гапни гапга улаб юборди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Абдураҳимов сигаретнинг тутунини тутунига улаб чекаркан, ўзидан ўзи гапира кетди.* «Муштум». [*Низомжон*] *Кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар наъмасидан, сувлар шилдирашидан кўнглига аллақандай юпанч изларди.* С. Аҳмад, Уфқ.

6 Алоқа, боғланишни тикламоқ, туташтирмоқ. *Алло, менга Бухорони улаб беринг.* Т. Алимов, Хушбичим йигит. *Кейин телевизорни токка улади.* Т. Ашуров, Оқ от.

УЛАШМОҚ I **Уламоқ** фл. бирг. ва ўзл. н. *Болалар ипларни улашди. Монтёрлар электр симларини улашди. Хотинлар гапни гапга улашди.* ▬ *Қирлар бағрида бир-бирига улашиб кетган олмазорлар..* Н. Сафаров, Оловли излар.

УЛАШМОҚ II Бўлиб тарқатмоқ, тарқатиб бермоқ. *Хайри опа болаларга яримтадан, катталарга биттадан кулча улашиб, иккитадан ёнғоқ берди.* Ойдин, Ямоқчи кўчди. *Кунига йигирма-ўттиз коса овқатни нима қиламиз, увол-ку, деб қўни-қўшниларга улашадиган бўлдик.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Олиб чиққан нарсаларини болаларга улашаётиб, ён-верига назар солди.* Н. Фозилов, Дийдор.

УЛАШ-УЛАШ: **улаш-улаш қилмоқ** *қ.* **улашмоқ** II. *Клубнинг мебель ва бошқа жиҳозларини А.Ҳасанов бошқарма аъзоларига улаш-улаш қилиб юборган.* «Муштум».

УЛ-БУЛ *айн.* **у-бу**. [*Қамчи:*] *Кўнглинг бирор нарса тусайдими? Ул-бул ола келайми?* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Эртасига тоғам билан ул-булларни кўтариб, йўлга тушдик.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

УЛГИ, улгу *шв. кам қўлл.* Ўрганишга, тақлид қилишга лойиқ нарса, иш-фаолият, ҳаракат; ибрат, ўрнак, намуна. *Улги бўлмоқ. Улги олмоқ.* ▬ *Улги бўлди учқур от қарчиғаю лочинга.* «Қўшиқлар». *Шамолингга оқар дарё музлаган, Қарчиғайдан улги олган бе-*

довсан. «Нигор ва Замон». *Бу ҳужжатларнинг ҳаммасини матбуотда эълон қилиш керак: ҳам ёшларимизга улги бўлади, ҳам иғволарга яхши бир зарба бўлади.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Илон овламоқни Қоравой чангалзорда ўрганган, бу соҳада у типратикандан улгу олганди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

УЛГУРЖИ 1 Бутун борича; кўп миқдорда; кўтара. *Улгуржи савдо. Улгуржи олмоқ. Улгуржи сотмоқ.* ▬ *Доналаб сотдим. Бу ерда улгуржи оладиган киши йўқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сотиболди тўқилган саватчаларини улгуржи оладиган баққолдан йигирма танга қарз кўтарди.* А. Қаҳҳор, Бемор.

Улгуржи бозор Товар истеъмолчиларига ёки уларни чакана сотадиган харидорларга товарлар йирик тўп (партия) лари билан кўтарасига сотиладиган бозор.

2 Катта миқдорда, катта суммага эга; салмоқдор. *Улгуржи ҳосил. Магазинга улгуржи мол келди.* ▬ *Пулини фойдага қўювчи судхўр ҳиндлар.. улгуржи савдони кўтардилар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Улгуржи нарх ҳақидаги хушхабарни маълум мижозларга етказиш кейинги йилларда Пошша холанинг вазифаси бўлиб қолганди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 Бошдан-оёқ, бутунлай. *Улгуржи ремонтдан чиқармоқ.*

УЛГУРИШ 1 Улгурмоқ фл. ҳар. н.

2 Вақтида дарсларни ўзлаштириш, орқада қолмаслик. *Бу синфда улгуриш юз фоиз.*

УЛГУРМОҚ 1 Бирор ишни бажаришга имконият, вақт топмоқ, муваффақ бўлмоқ, бажара олмоқ, эришмоқ. *Ёлғиз баъзи бир чаққонларгина йўл устида, этикларини нари-бери ечиб, сувини силкитмоққа улгурдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Санобар девордаги соатга қаради-да, Дилшод боғчадан келгунча улгураман, деган фикрда бамайлихотир кийина бошлади.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

2 Берилган билимларни тушуниб, эгаллаб олмоқ, ўзлаштирмоқ. *Синфимизда улгурмайдиган ўқувчилар йўқ.*

УЛИ: **ули тортмоқ** *айн.* **ув тортмоқ** *қ.* **ув**. *Унда-бунда яқин қишлоқларда итларнинг ялқовлик билан ули торгани.. қулоққа чалинади.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил. *-Аллаким ули тортиб йиғлаётир, — деди саройбон.* М. Осим, Элчилар.

УЛИМОҚ I *айн.* **увламоқ.** *Яқиндаги, чироқ милтираб турган қўрғонда ит улиди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қум барханлари орасида қашқирлар улийди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УЛИМОҚ II *шв.* Яллиғланмоқ (оғиз шиллиқ пардаси ҳақида). *Боланинг оғзи улибди.*

УЛКАН 1 Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик, жуда катта, буюк. *Улкан бино. Улкан дарахт. Улкан дарё. Улкан қурилишлар.* ▬ *-Минг йил чақмоқ чақсин, улкан тоғ гердайиб тураверади, — деди Бектемир қатъий.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ана шу зайлда ойлар, йиллар, қандайдир бир улкан денгизга қўшилишни истаган ирмоқлардай, шилдираб оқиб ўта бошлайди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Кўлами, қамрови, қудрати жиҳатдан жуда катта; буюк. *Жуда улкан иш. Фақат сизлардақанги марди майдонлар эплай оладиган иш!* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Бунёдкор халқимиз водий ва воҳаларда сунъий денгизлар, улкан саноат корхоналари барпо этмоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Навоий мусамматлари унинг улкан лирик меросининг узвий бир қисмидир.* «ЎТА».

3 *кўчма* Мазмун-мундарижаси, аҳамияти жиҳатидан катта, йирик. *Улкан асар.* ▬ *Зийнатуллаевнинг қўлида зўр ҳақиқат бўлиб кўринаётган нарса — аслида улкан ҳақиқатдан узиб олинган бир ҳақиқатча эканини у энди аниқ кўриб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бугунги Наврўз байрами барча-барчага янги бахт, улкан зафарлар келтиради.* Газетадан.

4 Ном, эътибор қозонган; буюк, улуғ. *Улкан ёзувчи. Улкан оқин.* ▬ *Қариндошим, туғишқоним, улкан қозоқсан ўзинг.* Ғ. Ғулом. *У адабиёт ва санъат оламининг зукко билимдони.. оташин нотиқ ва улкан санъаткор эди.* Газетадан. *Паҳлавон Маҳмуд жавонмардлик оқимининг улкан намояндаларидан бири бўлган.* «ЎТА».

УЛКАНЛАШМОҚ Ғоят катталашмоқ, йириклашмоқ, улканлик касб этмоқ. *Корхонанинг даргоҳи кенгайиб, фабрикалари, цехлари улканлашибди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *Ҳаёт-мамот туйғуси эса шу тоғдай улканлашиб кетган.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

УЛЛИ *шв.* Катта. *Маҳмуджон катта майдонга етиб қараса, қизлар айтган улли ҳовли кўринди.* «Авазхон». *Бу улли сир. Ота-*

онанг, хотининг.. хуллас, жумлаи оламдан сир тутасан, билдингми? С. Сиёев, Ёруғлик.

УЛОВ 1 Миниб юриладиган ҳайвон. *Регистон олдидан ўтадиган йўловчилар уловларидан тушиб, арк дарвозасига қараб таъзим қилар.. эдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 Умуман, ишчи ҳайвон. *Сувнинг бошида бўладиган бақақуруллоқликлар ҳам ўзи ёки уловининг жонини койитгиси келмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бугун уловимиз қўш-ҳўкиз эмас, Қудратли техника қўлимизда, бас!* Б. Бойқобилов.

3 *кўчма* Умуман, йўловчи, юк ташиш воситалари. *Самолёт — бебаҳо улов. Мана у парвозга кўтарилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Уловига яраша тушови *қ.* **тушов.**

УЛОВЛИ 1 Улови бор. *Уловли хўжаликлар.* ▬ *..дурустроқ ҳосил олсам, келаси йил уловли бўлар эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Улов минган, улов ҳайдаган. *Шунинг учун ҳам йўл устидаги бу чойхонада бирон уловли йўловчи учратармиз, деган мақсад билан эрталаб барвақт келиб ўтирган эдик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

УЛОР Қирғовуллар оиласига мансуб йирик тоғ қуши. *Баланд тоғларда, эримайдиган музликлар чегарасида улор қуши яшайди.* Газетадан.

УЛОҚ I **1** *от* Уланадиган нарса. *Улоқ солмоқ. Арқоннинг улоғини олиб ташламоқ.* ▬ *..йиртиғингизга ямоқ, узуғингизга улоқ тегмай юрардингиз, — деди Нафиса эрига.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 *сфт.* Турли йўл билан (боғлаш, тикиш, елимлаш, кавшарлаш, михлаш ва ш.к. билан) ўзаро туташтириб, маҳкамлаб бириктириб қўйилган, уланган бир неча бўлакдан иборат, яхлит эмас. *Улоқ арқон. Улоқ дастурхон. Улоқ сим. Улоқ тунука.* ▬ *Бой бобомнинг қизлари, Сочи улоққа ўхшайди.* «Оқ олма, қизил олма».

3 *от* Нарсанинг бўлаклари ўзаро уланганда ҳосил бўлган тугуни ёки чоки, уланган жойи. *Арқоннинг улоғи. Парданинг улоғи. Электр симининг улоғи. Тунуканинг улоғи.*

УЛОҚ II **1** Эчки боласи. *Ҳозир юзлаб майин жунли қўзи ва улоққа эгамиз.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кўз олдимга кўм-кўк ўтлоқлар.. ўтлаб юрган жажжи улоқлар, барра қўзичоқлар келади.* Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

2 Ҳар бир отлиқ ўртага сўйиб ташланган улоқни (одатда эчки ёки кичикроқ бузоқни) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашишдан иборат миллий спорт ўйини; кўпкари. *От боққанинг — улоққа, Қўй боққанинг — қўноққа.* Мақол. ▬ *Улоқда отдан йиқилиб боши ёрилган, қўл-оёғи синган чавандозлар инқиллашиб ётмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ҳимматнинг звеносидаги йигитларнинг иккитаси фронт кўрган.. қолганлари улоқларда соврин олган йигитлар эдилар.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

3 Шундай спорт мусобақасида ўртага тикилган — сўйиб ташланган эчки ёки бузоқ. [*Қамбар*:] *Улоқ олиш учун чавандоз бўлиш керак, укам Обиджон!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ана, бир отлиқ бошсиз улоқни тақимига босиб, тўйхонадан чиқди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Улоқ бермоқ 1) улоқда чопиладиган, ўртадан олиб, маррага етказиб ташланадиган эчки, бузоқ кабини бермоқ. *Ҳар кун икки юз қозон ош дамланар.. икки юзлаб улоқ берилар, мамлакатдан тўйга келувчи аъёнга ҳар кун минглаб тўн кийдирилар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) улоқ ўйинини ташкил қилмоқ, ўтказмоқ. *Улоқ берган киши соврин ҳам беради-да.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Рухсатсиз улоқ берган кишига жарима солинур.* «Муштум». **Улоқ чопмоқ** Улоқ ўйинида қатнашмоқ. *Дадам Маҳкамнинг бобосининг улоқ чопишини гапираверса, киши ҳайрон қолади.* А. Қодирий, Улоқда. **Улоқ қилмоқ** Биридан бири олиб, олиб қочиб ўйин қилмоқ, улоқ каби ўйин қилмоқ. *Тағин эҳтиёт бўл, қўрбошилар ўғирлаб кетиб, улоқ қилмасин.* Ойдин, Ҳикоялар. **Улоқни олмоқ** Улоқда, умуман, мусобақада ғолиб чиқмоқ, ғалаба қилмоқ. *Бу сафар улоқни меҳмонлар олишди.* ▬ *Андижон, Сурхондарё улоқни олиб, Хоразм, Қашқадарё қувлашиб бориб..* А. Пўлат, Тасаддуқ.

УЛОҚМОҚ Узоқлашиб кетмоқ, узоқ (олис)ларда юрмоқ; дайдимоқ. *Невараси узоқ улоқиб, Қайтди бир кун унинг ёнига.* У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё. *Ёвуз кимсалардан қочиб, улоқиб, Кимлар ахтармаган бағрингдан макон.* А. Орипов, Йиллар армони. *Иш бўлмаган кезлари, марҳамат, ётиб дамингни ол, аммо зинҳор-базинҳор ўз ҳолинг-*

га улоқиб кетма. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

УЛОҚТИРМОҚ 1 Улоқмоқ фл. орт. н. *Бир хилига кўп подани боқтирган, Ёки тоққа, ё чўлга улоқтирган.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

2 Бирор томонга отмоқ, итқитмоқ. *Отлиқнинг қўлидаги қамчисини юлиб олиб, улоқтириб юборди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Орадан дақиқа ўтмай, Танзиланинг қичқириғи, сўнг сувнинг шалоплашини эшитган Шерали рюкзагини улоқтириб, югурди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 *кўчма* Суриб ташламоқ, йўқ қилмоқ. *Ичкилик, таъмагирлик Низомовни маданият бўлимидан улоқтириб ташлади.* «Муштум». *Шундоқ илму амалиёт билан кунлари ўтиб турган Меъмор бошига улкан ташвиш тушиб, ўғлининг ҳибс этилиши ҳаммасини бир томонга улоқтириб ташлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..иложи борича хушмуомала бўлиш, ўртадаги ноқулайликни осойишталик билан улоқтиришни ўйларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

УЛОҚЧИ 1 Улоқ чопадиган, улоқда чопиладиган. *Унинг ҳаракати улоқчи йигитларга ўхшаб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бир улоқчи отим бор, Қорабайир зотидан.* З. Диёр.

2 Улоқ мусобақасида қатнашувчи, улоқ чопувчи киши. *Бу чол Гулистондагина эмас, бутун водийда «чавандоз» номини олган улоқчи эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Маҳкамбойваччанинг ота-бобоси улоқчи бўлиб келган-да! — деди Собир тегирмончининг ўғли.* А. Қодирий, Улоқда.

УЛОҚ-ҚУРОҚ Турли лахтаклардан улаб-қуралган; улоқ-улоқ. *Улоқ-қуроқ кийим.*

УЛТОН *шв.* Қорамол терисидан тайёрланган, пишиқ, қалин чарм; тагчарм. *Нафсини тийган киши султон бўлур, Хом терини ийласанг, ултон бўлур.* Мақол. ▬ *Асов от бизни судраб кетарди. Ерга тиралавергани-миздан этигимизнинг ултони тарс-тарс айрилиб кетарди.* С. Муродбеков, Ёвшан иси.

УЛУМ [*а.* علوم — «илм» с. кўпл.] *эск. кт.* Илмлар, билимлар. *Улум, фununнинг қадр-қийматини билган ота.. фарзанди аржумандига гўдакликдан гўзал тарбия, ҳусн-ахлоқ берган.* Ойбек, Навоий.

УЛУС [*мўғ.* — давлат; эл, халқ] **1** *тар.* 11-12-асрларда мўғуллар давлатида маълум бир нўёнга (мўғул асилзодасига) қарашли ерларда унга тобе ҳолда кўчманчилик билан ҳаёт кечирувчи катта-кичик оилалар, уруғлар гуруҳи.

2 *тар.* Мўғуллар истилоси даврида босиб олинган ҳудудлардан Чингизхон фарзандларига бўлиб берилган мулклар, кейинчалик мустақил давлатларнинг номи. *Чиғатой улуси. Жўжи улуси.*

3 *эск.* Эл, халқ, халойиқ; одамлар. *Навоий она ватани, ўз улуси, ўз тилини жондан севар эди.* А. Қаюмов, Шеърият султони. *Эй муллам, улуснинг дарди кўп, қай бирини айтайин.* Ойбек, Навоий.

УЛУШ Нарсанинг кимсага тегишли қисми, бўлаги; ҳисса. *Чекишга ўрганганига баъзан афсусланганни учун, ичишдан тортинар, аксар вақт ўз улушини Полвонга берарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ана шундай катта ишга муносиб улуш қўшиш ниятида ҳамюртларимиз астойдил ва мардонавор меҳнат қилмоқдалар.* И. Раҳим, Қадриабад одамлар.

УЛУҒ 1 Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик; жуда катта, улкан, буюк. *Келтирганлар иккисин боғлаб, Ташлаганлар улуғ дарёга.* Ғайратий. *Хотин.. асл ўрданинг улуғ, муҳташам дарвозасига яқинлашгандан кейин ўнгдаги айри йўлга бурилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шу кеча йўл тортди.. чошкада [чошгоҳда] улуғ бир тоққа етди.* «Ҳасанхон».

2 Куч-қудрат, имконият ва ш.к. жиҳатдан жуда катта имкониятларга эга; қудратли. *Шайбонийхон марказлашган улуғ бир давлат тузишга интилар экан.. қўл остидаги одамларнинг ихлос ва эътиқодини ҳам қозонишга.. алоҳида эътибор берар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Қадр-қиймати, аҳамияти ва ш.к. жиҳатидан юқори даражали; буюк. *Бизнинг жамиятда инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан улуғ.* Газетадан. *Шоир учун бу оламда мухлиснинг эҳтиромидан кўра улуғроқ бахт йўқ.* Газетадан. *Инсондаги энг улуғ фазилатлардан бири камтарлик ва оддийликдир.* Газетадан.

4 Салмоғи, кўлами, аҳамияти юқори бўлган; муҳим. *Саидқосим улуғ ишларни амалга оширувчилардан бўлгани учун қувонарди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Биз катта ишлар, улуғ ўзгаришлар арафасида турибмиз.* Газетадан.

5 Ўз қобилияти, хизматлари билан буюк ишларни амалга оширган ва ҳурмат-эътибор қозонган; буюк. *Қадимги юнон мулкида*

ўтган донишманд, ҳандаса илмига асос солган, ер ўлчашни ўргатган улуғ олим [Евклид]. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Улуғ шоир ҳайкали пойига меҳр-муҳаббат ва чуқур эҳтиром рамзи сифатида гуллар қўйилмоқда.* Газетадан.

6 Шундай улуғликни қайд этувчи сўз сифатида шахс билдирувчи сўзларга қўшиб ишлатилади. *Улуғ амир. Улуғ Алишер.* ▬ *Ишқилиб, худойи таоло улуғ султонни паноҳида асрасин..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бобур суратга [Навоий суратига] қараб туриб, ўзича сўради: «Улуғ амир, насиб қилса, ҳузурингизга борсам.. шеърият тилсимини очғучи калит берурмисиз?»* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Демак, Низомиддин бу «ниҳоятда хавфли тўда»га мансуб, улуғ ҳазрат жонига қасд қилганлар орасида бор..* Мирмуҳсин, Меъмор.

7 Раҳбар, бошлиқ. *Илгарилари Бўтабойни, улуғимиз, деб юрадиган кишилар уни кўрганда, «бетинг қурсин», деб.. ўтиб кетадиган бўлиб қолишди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Сўз сўзласа, дурри гавҳар сочилар. Ўрозали юртимизнинг улуғи..* «Ёдгор». *Ия, ия, улуғ, Сиз ҳам шу гапни айтдингизми.* С. Аҳмад, Ҳукм.

8 Улуғ (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

УЛУҒВОР 1 Савлатдор кўринишли; салобатли; муҳташам. *Нурота тизма тоғлари ўз гўзаллиги билан бағоят улуғвор, бағоят бетакрордир.* Газетадан. *Хива ва Кўҳна Урганчнинг улуғвор архитектура ёдгорликлари жаҳон маданияти хазинасининг энг ноёб дурдоналаридан ҳисобланади.* «Саодат».

2 *айн.* **улуғ 4**. *Чўл бағрида чақнаб турган чироқларнинг.. ҳаммаси бир бўлиб, улуғвор ишнинг кенг миқёсда олиб борилаётганидан.. далолат беради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УЛУҒВОРЛИК Улуғвор ҳолат, кўриниш. *Бинонинг улуғворлиги. Режаларнинг улуғворлиги.* ▬ *Қора атлас ҳамма қизларга ярашади. Маликага эса, бу либос алоҳида ҳусн, малоҳат ва улуғворлик бағишларди.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улуғворлик бахш этиб, бир текис гувуллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

УЛУҒЗОДА Юқори мартабали улуғ кишининг фарзанди. *Сен девонанинг боласи дебмидинг, у ҳам подшонинг боласи, бир улуғзода.* «Равшан».

УЛУҒЛАМОҚ 1 Улуғлигини қайд этмоқ, мадҳ этмоқ. *Биз.. фидокорликни улуғлаб, бевафоликни ранж билан қаламга олдик.* Газетадан. *У халқнинг яхшиликни улуғлаб айтган ҳикматли сўзлари ва.. мақолларини жуда усталик билан қайта ишлаб, ўз ижодида фойдаланган.* «ЎТА». *Ишқни улуғлаш Навоий ва бир қатор мутасаввиф шоирларда ҳам мавжуд.* «ЎТА».

2 Шаън-эътиборини юқори даражага кўтармоқ. *Меҳнат инсонга фақат моддий фаровонлик келтирибгина қолмай, унинг маънавий дунёсини бойитади, ўзини эса улуғлайди.* Газетадан. *Эътиқод Али Қушчини инсон ва олим сифатида улуғласа, эътиқодсизлик мавлоно Муҳиддинни тубанлик жарига ирғитади.* «ЎТА».

УЛУҒЛАШМОҚ 1 **Улуғламоқ** фл. бирг. н. *Замондошлари ва касбдошлари ҳайрат ва ҳаяжон билан уни «жонли қомус» дея улуғлашар эди.* Газетадан.

2 Улуғлик даражасига етмоқ, улуғ бўлмоқ. *Вазифамиз улуғлашди.* ▬ *Ғоят катта бўлиб кетди бизнинг ишимиз, Улуғлашдик, улуғ бўлди ҳам хоҳишимиз!* Т. Тўла.

УЛУҒЛИК 1 Улуғ эканлик. *Бунинг қанчалик улуғлигини хўрликни бошидан кечирган етимчагина билади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Улуғ ҳолат, кўриниш, даража. *Камтарлик, ақл-заковат кишиларга улуғлик бағишлайди.* Газетадан. *Бир қарашда у ўрта ёшли кўринса-да, заҳил рангига улуғлик бағишлаб турган пешона ажинларига.. қараб, элликлардан ошиб кетганини билиш қийин эмасди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

УЛУҒСИФАТ 1 Кўриниши улуғвор, салобатли, серсавлат. *Йўлакка кирганидан сўнг ўзини дадил тутди, ҳатто икки томондаги қатор кетган эшикларнинг биридан чиққан улуғсифат бир одамдан Кенжанинг қайси уйда эканини тортинмай сўради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ўзини оғир, яхши тутадиган; ўзига ҳурмат уйғотадиган. *У сокин, камтарин, муомалада нозик, лекин улуғсифат.* Ойбек, Навоий.

УЛУҒСИФАТЛИК Улуғсифат ҳолат, қиёфа. [*Салимжон*] *Ўзининг обрўйи, улуғсифатлигига қарамай, такаббур эмас, дилкаш, кўнглида кири йўқ, инсониятпарвар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

УЛФАТ [*а.* الفت – розилик; иттифоқлик, иноқлик; яхши кўриш, меҳр, муҳаббат] **1** Суҳбат, зиёфат ва ш.к. да доимий бирга бўладиган кишилар бирлиги, шундай кишилардан иборат бўладиган йиғин; улфатчилик. *Мирза сариқ қўшилган улфатдан тезда қутулиб чиқиш осон бўлмайди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Шундай йиғин, улфатчиликнинг ҳар бир қатнашчиси, аъзоси (бошқаларига нисбатан); жўра. *Қишнинг узун тунлари бу ерда улфатлар гап ейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Салимбойваччанинг улфатлари бу ҳафта машҳур бир бойваччанинг даласида тўпланишлари керак эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Умуман, суҳбат, зиёфат ва ш.к. учун тўпланган (икки ва ундан ортиқ) шахслар, улардан ҳар бири (бир-бирига нисбатан). *Болтавойнинг ялласига қулоқ соладиган улфатлар чойхонани тарк этиб, урушга кетган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қараса, кабобпаз йигит: Ҳисоб-китоб қилинг-у, улфатингиз билан даф бўлинг, — деб турибди.* «Гулдаста».

4 *айн.* **улфати.** *Хўжайин жуда улфат, дилкаш одам чиқиб қолди. Мен ишлайман, у бўлса чой қуйиб бериб ўтиради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

5 *кўчма* Доим бирга бўлувчи нарса; «шерик». *Бир қалам, оппоқ қоғоз бирлан сиёҳдон улфатим.* С. Абдулла. *У мудир бўлган кундан буён арoқ билан улфат тутиниб, босар-тусарини билмай.. юра берди.* «Муштум».

6 Улфат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

УЛФАТИ Улфатчиликни ўрнига қўядиган, улфатчиликка мойил. *У сўзамол, серҳаракат, ошналаридан ҳеч нарсани аямайдиган, қўли очиқ, улфати эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

УЛФАТЛАШМОҚ 1 Ўртоқ ёки ошна бўлиб қолмоқ; иноқлашмоқ; дўстлашмоқ. *Бора-бора жинни мени танийдиган бўлди, улфатлашди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Улфатчилик қилмоқ, суҳбатлашмоқ. *Авазхон Замон билан бир улфатлашайлик деб келса, Замон кулбасида йўқ.* «Нигор ва Замон».

УЛФАТЧИЛИК 1 Улфатлар йиғини, зиёфати; улфатлар давраси. *У мингбошининг қайнағаси, улфатчиликда жўраси бўлса ҳам, «додхоҳ»ни.. ҳамиша шундай таъзим билан ҳурматлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ёш, косиб кундуз вақтларида ўз тенги косиблар қишда, улфатчиликда ундан ҳалиги достонларни ўқитиб эшитар эдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Умуман, бир ёки ундан ортиқ киши билан биргаликдаги маишатли суҳбат, шундай йиғин. *..худонинг берган куни шу ерда, улфатчиликка муккасидан кетган, ўлгудек «ширин бола».* А. Мухтор, Она-сингиллар. *Алимардон қанча май ичганининг, қанча аёллар билан улфатчилик қилганининг ҳисобига етмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

УЛЬТИМАТУМ [*фр.* ultimatum – қатъий, узил-кесил талаб < *лот.* ultimus – энг охирги] **1** *ҳуқ.* Бирон масала юзасидан бир давлат ҳукуматининг бошқа давлат ҳукуматига ёзма ёки оғзаки баён қилинган, ҳеч қандай баҳс ёки эътирозга ўрин қолдирмайдиган қатъий талаби. *Ҳозирги шароитда дўқлар қилиш ва ультиматумлар қўйиш методи.. бутунлай яроқсиз воситадир.* Газетадан.

2 *кўчма с.т.* Қатъий огоҳлантириш, талаб. *Унинг ҳикоясини рақибининг «Гарде!» [«кишт»] деган ультиматуми кесиб қўйди. У фарзинини ўрнидан кўчирмаса, ютқазиб қўяди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қаюмжон ажралиш ҳақида [Қорияхонга] ультиматум юборган эди.* «Муштум».

УЛЬТРА- [*лот.* ultra – устида, юқори; чегарадан ташқари] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: миқдор ва сифат белгиларига кўра меъёрдан, ҳаддан ташқари; энг четки, охирги, ўта каби маъноларни билдиради, мас., *ультрамикроскоп, ультратовуш* каби.

УЛЬТРАБИНАФША [ультра + бинафша]: **ультрабинафша нурлар** *физ.* Спектрда бинафша ва рентген нурлари оралиғидаги кўзга кўринмайдиган нур (қишлоқ хўжалиги, саноат ва тиббиётда қўлланади).

УЛЬТРАМИКРОСКОП [ультра.. + микроскоп] Оддий микроскоп ёрдамида кўриб бўлмайдиган майда зарраларни ёритиб туриб кўришга хизмат қиладиган оптик асбоб.

УЛЬТРАТОВУШ [ультра.. + товуш] Махсус аппарат ёрдамидагина эшитиш мумкин бўлган ва тўлқинларининг тебраниш частотаси 20 килогерцдан юқори бўлган товуш; эластик тебранишлар (техника ва тиббиётда қўлланади).

УЛЬТРАҚИСҚА [ультра.. + қисқа]**: ультрақисқа тўлқин** Тўлқин узунлиги 1 миллиметрдан 10 метргача бўлган радиотўлқинлар (телевидение, радиоалоқа ва ш.к. да қўлланади).

УЛҒАЙМОҚ 1 Балоғатга, вояга етмоқ, катта бўлмоқ. *Кампир кўз олдига улғайган, кучга тўлган неварасини келтирди-ю, ийиб кетди.* Газетадан. *Мен унга «Бешикдаги бола улғайганда ким бўлиб чиқишини айта оласанми» десам, «Қайдам, тарбияга боғлиқ», деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ривожланмоқ, авжланмоқ. *Ғўза униб улғайган сари, пахтакорнинг руҳидаги шодлик, кўнглидаги қувончни кўрсангиз!* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

3 Кучаймоқ, зўраймоқ, ортмоқ. *Отабекнинг юзидаги ўйчанликка разм қўйган сайин, Офтоб ойимнинг ҳалиги шубҳаси улғая борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хотин, гап улғаймасин дедими, қўлига илинган товоқ-қошиқларни олди-ю, ташқарига чиқиб кетди.* Газетадан.

УМАРО [*а.* امراء – «амир» с. кўпл.] *тар.* Шоҳ (хон, амир) ҳузуридаги юқори мансабли шахслар. *Дастлаб Исломхўжа, сўнгра уламо ва умаролар, барча аъёнлар* [*Исфандиёрни*] *муборакбод қилдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу хусусда умаромизнинг раъйларини билдик* [*деди подшоҳ Навоийга*]. Ойбек, Навоий.

УМБАЛАҚАШМОҚ *айн.* **умбалоқ ошмоқ** *қ.* **умбалоқ**. *Омонга қоқилиб, умбалақашиб тушдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [*Туҳфа:*] *Тағин дарахтдан умбалақашиб тушгани-чи! Капкатта бола.* Ҳ. Назир, Чиранма ғоз – ҳунаринг оз.

УМБАЛОҚ: **умбалоқ ошмоқ** Бошини ерга тираб, орқасига ағдарилиб ўйнамоқ, думалоқ ошмоқ. *Ўйинчилар.. симларда умбалоқ ошиб, турли-туман ўйинларни қилиб.. ёш болаларни ҳайрон қолдирар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Қўзибой.. ёнбағирдаги буталарга илина-илина, умбалоқ ошиб бориб, кўлга шалоп этиб тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УМБУРВОҚИ *с.т.* Умрбоқи. [*Ўктам*] *Полизга кириб, бирпас теваракка қараб, тўни хунук битта умбурвоқини шартта узиб чиқди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

УМИВАЛЬНИК [*р.* умывальник < умыть, умыться – «ювмоқ; ювинмоқ» фл. дан ясалган от] Юз-қўл ювиш учун мўлжалланган жўмракли қурилма. *Башорат умивальник ёнида юзига совун суркаб турган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УМИД [*ф.* امید – ишонч; орзу, тилак, истак] **1** Бирор истакнинг амалга ошишига бўлган ишонч; ишонч билан кутиш; эътиқод. *Сиздан умидимиз катта. Сендан умидим шуми?* ■ *Таассуфки, отамнинг Азизбекдан бўлган умиди бўшга кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар *..бу камбағалчилик ёруғ дунёдан бўлган умидимизни эмас, ёруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Бирор нарса қилишга, бирор нарсага эришишга бўлган ички интилиш, ички ҳиссиёт; истак, орзу, ният. *Ҳаётни билиш ва ундан ўзининг лойиқ ўрнини топишга интилиш – ҳар бир кишининг умиди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ўзганики бўлса ҳам, ўғил қилиб олайлик, деган умидда бола қидириб юрибмиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қизга ота-онаси катта умид билан Субҳ деб ном қўйган эканлар.* Мирмуҳсин, Ал Маҳдий.

Умид боғламоқ Орзу қилган нарсанинг амалга ошишига, бунда бировнинг кўмагига умид билан қарамоқ. -*Ким агар ғалабага умид боғласа, албатта, ғолиб келади, – деди Жўрахон.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Бобур мирзо ҳали ёшлар. Мен ҳам шу зотга умид боғлаган эдим..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Умид қилмоқ** 1) *айн.* **умид боғламоқ.** *Юртда адолатли давлат.. кўрмоқ орзусида бўлган Навоий Ҳусайн Бойқародан кўп нарса умид қилар эди.* Ойбек, Навоий; 2) орзусида (ниятида) бўлмоқ. *Қудратли қанотингиз остида бирим икки бўлишини умид қилиб келдим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Умид (эркаклар исми).

УМИДБАХШ [*ф.* امیدبخش – ишонч, умид бағишловчи] Кишида ишонч ва умид ҳосил қиладиган; келажакка умид, ишонч билан қарашга ундайдиган; умид бағишловчи. *Йўлчи бу гал ҳам касалнинг кўнглини кўтариш учун, унга таскин берувчи умидбахш сўзлар айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УМИДВОР [*ф.* امیدوار – ишонган, ишонувчи, ишончга тўла] Умид, орзу ифодаловчи; умидли. *Икки лашкарбоши бир-бирига соғлик-саломатлик тилаб, ғалабамиз учун, дегандай умидвор сўзлар билан рюмкаларини*

бирпасда бўшатдилар. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Ҳар қалай, бу ишда унга устод Андугоний кўмак бермоғидан умидвор эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Умидвор бўлмоқ *айн.* **умид боғламоқ, умид қилмоқ** *қ.* **умид.** *Қўриқнинг шўрвасини ичганингиз етар, энди эски ернинг паловига умидвор бўлинг.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Умидвор қилмоқ** Орзу, ишонч қўзғамоқ, пайдо қилмоқ; умид боғлатмоқ. *Ирода билан эҳтиёт бўлиб сўзлашиши, уни умидвор қилиб қўймаслик кераклигини тушунарди Аҳмад.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

УМИДВОРЛИК Умидвор ҳолат, умидли ҳолатда бўлиш, умид билан қараш. *Ҳамзанинг ажойиб фазилатларидан бири — оптимизм. Умидворлик унга ҳамиша ҳамроҳлик қилган.* Газетадан. *Мана шу умидворлик боисидан, танамизда жонимиз бор экан, курашамиз.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

УМИДЛАНТИРМОҚ *айн.* **умидвор қилмоқ** *қ.* **умидвор.** *Учрашувдан умидлантирди.* ▬ *У юпатгучи сўзлар билан дўстини умидлантиришни истамади.* Ойбек, Танланган асарлар.

УМИДЛИ 1 Бирор нарсадан умид қиладиган; умидвор.

2 Келажагидан умид бор, келажагига ишонса бўладиган. *..келажаги энг умидли кўринган йигитга тегмоқчи бўлиб.. қаллиқ танлаётган қиз экан.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Асранди қиз Роҳила ролини ўйнаган умидли санъаткор Р.Тўраевани ҳамма ҳурматлади.* Газетадан.

Умидли дунё Ҳаётда ишонч, умид билан яшаш лозимлигини, умидсизланмасликни қайд этувчи ибора.

УМИДСИЗ 1 Умид узиб, умидсизлик билан, ноумид. *У ўғлининг қутулиши йўлида ҳар бир мулоҳаза кўчасига кириб чиқмоқда, аммо ҳар бирисидан ҳам бўш ва умидсиз қайтмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг [Тоҳиржоннинг] катталашган қора кўзлари чироқда аллақандай умидсиз, лекин маънодор ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Келажакка бўлган ишонч ва умидини йўқотган, келажакдан умидини узган. *Умидсиз киши.*

УМИДСИЗЛАНМОҚ Умидсиз ҳолга тушмоқ, умидини йўқотмоқ. *Сен биринчи марта қийноққа дуч келдинг, умидсизланма! Ноумид шайтон..* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

УМИДСИЗЛАРЧА Умидсиз ҳолатда, умидсизлик билан. *Али тажанг умидсизларча қўлини силкиб, туриб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

УМИДСИЗЛИК Умидсиз ҳолат. *Қизнинг юзида умидсизлик белгилари йўқ; у кулар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бу саволдан хотиннинг юзига умидсизлик туси кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сенга берадиган маслаҳатим ва насиҳатим шуки, умидсизликка тушма.* С. Айний, Қуллар.

УММАТ [*а.* امّت — халқ, миллат; маълум динга эътиқод қилувчи жамоа] **1** *дин.* Мадинада Муҳаммад пайғамбар изидан борган ва ислом динини қабул қилган кишилар жамоаси; мусулмонлар. *Яхши ўйлаб, чораларини топиш лозимдирки, ислом уммати саҳобалардек чуқур, имон ва завқ-шавқ билан ўз бурчларини бажарсинлар.* Ойбек, Нур қидириб. *Каломи шарифни неча бор хатм қилганман. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга умматман.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Уммат (эркаклар исми).

УММОН [*а.* عمّان — Уммон мамлакати ва уни ўраб турган қирғоқ (қўлтиқ) номидан: денгиз, океан] **1** *эск.* Денгиз, океан. *Машриқ мамлакатларидан бирида ҳудудсиз уммонлар орасидаги мўъжазгина бир оролда.. мўъжиза бир дарахт ўсармиш.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 *кўчма* Бирон-бир ҳолат, жараён, ишфаолият доираси, соҳаси. *Хаёл уммони.* ▬ *Ёшлигидан савдо уммонида сузиб, шу соҳанинг баланд-пастини хўп эгаллаган.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

УМОЧ Уваланган хамир солиб пиширилган суюқ ош. *Арслонқул.. заранг товоқдаги умочни катта қошиқ билан хўр-хўр ичди.* Ойбек, Навоий. *Атала, умоч.. каби суюқ ошларнинг масаллиғи камчил бўлганлиги сабабли.. «камбағал овқати» деб юритиларди.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

УМР [*а.* عمر — яшаш, ҳаёт; ёш, яшаш муддати] Туғилгандан то ўлгунгача бўлган давр, яшаш муддати, шу муддат давомидаги ҳаёт, яшаш. *Узоқ умр кўрмоқ. Умрининг охири. Семиз қўйнинг умри калта.* Мақол. ▬ *Ҳазратим, мен мунгли қизингиз сизга худодан Шайх Саъдийнинг умрини тилабман! Илоҳим, юзга киринг!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *«..саховатли Меъмор ҳазратларининг умрлари узоқ бўлиб, доимо сиҳат-саломат*

бўлсинлар», деб дуо қиларди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Шундай кўркам, доно, тадбирли хотиннинг умри эрсиз ўтиб кетаётганига баъзилар ачинса, баъзилар таажжубда эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Умуман, ҳаёт, яшаш. *Инсонга умр бир марта берилади. Ичкилик — умрнинг эгови. Соғлик — умрнинг гарови. Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила.* Мақол.

Бир умр Умр давомида, умр бўйи. *Бойлик ботқоққа ўхшаган нарса. Домига бир тортса, бир умрга ғарқ бўлиб кетишинг турган гап.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Заргаров ҳам бир умр кутган..* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Умр берса** Яшатса. *Худо умр берса, йўлинг ҳали олис.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Умр бўйи** *айн.* **бир умр.** *Сунатулло махсум умр бўйи савдо соҳасида ишласа ҳам.. ибратли ҳикоя ва шеърларни биладиган киши эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Умр йўлдоши** *қ.* **йўлдош.** *Ушбуни кўрсатувчи Марасул Ҳузуржоновни тегишли умр йўлдоши ўртоқ Насибахон Асқарова билан тегишли дафтарингиздан ўтказиб..* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Умр кечирмоқ** 1) умр ўтказмоқ, яшамоқ. «*..агар (одам) одам боласига ўхшаб умр кечираман деса, унга шунча кўп нарса керак бўлар экан!», — деб кулар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) *айн.* **умр қилмоқ**. *Бир хотин билан муҳаббатли умр кечирмоқ, менимча, энг маъқул иш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Умр кўрмоқ** Ҳаёт кечирмоқ, яшамоқ. *Узоқ умр кўриб, бахтсаодатли яшаётган кексаларимиз фаровон ҳаётимизга файз-тароват бағишлаб туришибди.* Газетадан. **Умр сурмоқ** Умр ўтказмоқ, яшамоқ (одатда, яхши, бахтли умрга нисбатан қўлланади). *Дунёда яхши умр сурдинг, ор-номусли, адолатли яшадинг..* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. **Умр қилмоқ** Эр-хотин бўлиб яшамоқ. *-Тенгинг эмас, қизим! Сенинг илминг катта, уники кичик. Умр қилиб кетолмайсизлар, — деди онаси Ҳуснияга.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. **Умри бино бўлиб** *қ.* **бино.** *Ёдгор умри бино бўлиб баҳорнинг кириб келишини шу қадар диққат билан кузатмаган экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Умри боқий** Доимий ҳаёт, йўқ бўлмайдиган. *Инсоният қалбини мунаввар этадиган эзгуликнинг — шеъриятнинг умри боқий экан, демак, шоир умри ҳам боқий.* Газетадан. *У баъзан.. Шоҳрухни дуо қилар, юртда тинчлик бўлса, умри боқий бинолар қуриб юришини ўйларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Умри қисқа** Кўп яшамайди, узоққа бормайди, тез барҳам топади. *Туҳматнинг умри қисқа.*

УМРА [*а.* عمره — кичик ҳаж] Ислом анъанасида кичик ҳаж; Қуръон ояти ва Пайғамбар алайҳиссалом суннати билан собит бўлган амал (Умрани йил-ўн икки ой бажариш мумкин).

УМРБОД [*а.+ф.* عمرباد < عمرابد — абадий умр, умр бўйи] *рвш.* **1** Ҳаётининг охиригача, ўлгунга қадар; ўлгунича. *Борди-ю, Элмурод қасос олса, бу сир унга, Муҳаррамга умрбод сир қолиб кетар, мотам тутар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Нигорага бораман: оёғига тиз чўкиб, умрбод юрагимни сизга бағишладим, дейман.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳамма вақт; мангу, абадий. *Сайр этайлик, кел бирга, эркам, Рози кетсин биздан умрбод — Шодлик учун яралган олам, Севмоқ учун берилган ҳаёт.* Э. Воҳидов.

УМРБОҚИ [*а. + ф.* عمرباقى — абадий, узоқ умр] Қовуннинг пўчоғи қалин, сарғишкўкиш бўлиб, қишга сақланадиган кечпишар хили. *Вали ака ўғлига бир коса умрбоқидан узатиб: -Мана буни еб олинг, ўғлим.. — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УМРГУЗАРОНЛИК [*а. + ф.* عمرگذراندن — «умр ўтказмоқ» фл. дан] *эск.* Ҳаёт кечириш, яшаш. *Умргузаронлик борасида Қурбон чаққоннинг ўз фалсафаси, ўз йўли бор.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Йўл азоби орқада қолиб кетди, энди жаннатмонанд пойтахтимиз Ғазнада роҳат-фароғат билан умргузаронлик қилинглар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

УМРДОШ *кам қўлл. айн.* **умр йўлдоши** *қ.* **йўлдош**. *Ҳозир Масъуда опа соғ-саломат ўз уйида, болалари, садоқатли умрдоши, оиласи бағрида ширин ҳаёт кечиряпти.* Газетадан.

УМРДОШЛИК Бирга ҳаёт кечириш, эрхотинлик. *Умрдошлик савдоси — қийин савдо, уни обдан ўйлаб, сўнг оила қасрини қурмоқ керак.* Газетадан. *Ўзининг.. алданганини, уларнинг умрдошлик биноси қум устига қурилганини, энди унинг бутунлай нураб бўлганини тушунди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

УМРЛИ Маълум муддат яшайдиган, умр кўрадиган. *Узун умрли. Қисқа умрли.* ▬ *У* [*Худойқул*] *Мадаминсиз ҳам ўз тирикчилиги ўтиши мумкинлигини англамади. Унга хўжа*

остонаси умрли макон бўлиб кўринди. П. Турсун, Ўқитувчи.

УМРЛИК Умрининг охиригача, умр бўйи; абадий. *Миршабга пора бериб, ўлим жазосидан қутулиб, умрлик қамалганлар бор.* С. Айний, Жаллодлар. *У ердан отини миниб, умрликка Марғилон билан видолашмоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УМСУНМОҚ Эмчаги сутга тўлиб, эмизишга эҳтиёж сезмоқ (эмизикли хотин ҳақида).

УМТИЛМОҚ *шв.* Интилмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Гўё махфий бораётган синфий курашнинг кашагини очишга умтилгандай туйилди бу муштлаш.* Ҳ. Шамс, Душман.

УМУМ [*а.* عموم – умумийлик, оммавийлик; ҳартомонламалик; барча, ҳамма] Одамлар, жамоат; халойиқ; кўпчилик. *Умум фойдаси учун ишламоқ.* ▬ *Етмаса, сени қўлга тушириб, умум олдида шармандангни чиқариб, очиқ суд қилсин.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Энди инграган ёки, мадорсиз бўлса ҳам, умумдан ажралмаслик учун, чала-чулпа ўралган яраларидан қон оқизиб, судралиб бораётган ярадорлар кўпгина эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

УМУМ- [*а.* عموم] Қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, жамоатга, ҳаммага, кўпчиликка тегишли эканликни, муштаракликни билдиради, мас., *умумхалқ, умумиттифоқ, умуммиллий.*

УМУМАН [*а.* عموماً] *рвш.* **1** Асос эътибори билан, асосан. *Мақола умуман яхши таассурот қолдирди.* ▬ *Унинг* [*Унсиннинг*] *умуман юз бичими келишган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Умуман картошкачиликда калий ўғитларига алоҳида эътибор берилади.* «Фан ва турмуш».

2 Мутлақо, бутунлай. *Бу ишдан умуман хабарим йўқ.* ▬ *Отам менга умуман гапирмас, онам ҳам кўпинча унутиб қўяр эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қирқинчи йиллардан кейин эса умуман геологлар бормаган.* С. Кароматов, Олтин қум.

УМУМБАШАРИЙ [умум.. + башарий] Бутун инсониятга, одамзодга оид. *Тарихда шундай шахслар бўладики, уларнинг аҳамияти.. бир ва бир неча мамлакат доирасидан ташқарига чиқади, дунёвий аҳамият касб этади, умумбашарий бўлиб қолади.* В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихидан.

УМУМДАВЛАТ [умум.. + давлат] Давлат миқёсидаги, давлат учун умумий. *Умумдавлат манфаатларини кўзламоқ.* ▬ *Театр умумдавлат ишининг бир қисми бўлиб қолди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизман.

УМУМДЕМОКРАТИК [умум.. + демократик] Барча демократик кучларни ўз ичига олган, барча демократик ташкилотлар учун умумий.

УМУМИЙ [*а.* عمومی – ҳаммага оид, тааллуқли, универсал] **1** Ҳаммага оид, ҳаммага тегишли; ҳамма учун хизмат қиладиган; ягона. *Умумий мажлис. Умумий мажбурий таълим. Умумий тил. Умумий ҳарбий хизмат.* ▬ *Онгли интизом, умумий иш учун масъуллик туйғуси меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беряпти.* Газетадан.

2 Бирор нарса, ҳодиса ва ш.к. нинг барча қисмлари, соҳалари, тармоқлари учун бир хилда тегишли бўлган, барчасини қамраб олувчи. *Умумий сарлавҳа. Умумий рўйхат. Умумий хулоса. Тил тараққиётининг умумий қонуниятлари.*

3 Муайян бўлмаган, аниқ бир нарса ҳақида тушунча бермайдиган. *Умумий тасаввур. Нотиқ умумий гаплардан нарига ўтмади.*

4 Умуман ҳисобга олгандаги ҳаммаси; бутунича, ялпи. *Умумий маҳсулот. Умумий фойда.*

УМУМИЙЛИК Ўзаро умумий белги-хусусият; ўзаро бир хиллик. *Вазифанинг умумийлиги. Манфаатларнинг умумийлиги.* ▬ *..тил билан нутқ умумийлик билан хусусийликнинг диалектик муносабатида бўлиб, улар бири иккинчисига ўтиб турадиган ҳодисалардир.* «ЎТА».

УМУМЛАШМА **1** Умумий белги-хусусиятларни акс эттирувчи, шундай белги-хусусиятларни ўзида жамлаган. *Султонмурод ўша замонда кўплаб учрайдиган илғор илм кишиларининг умумлашма образидир.* Газетадан.

2 Умумий белги-хусусиятларни қайд этувчи фикр, нуқтаи назар. *Матбуот ходимлари.. ҳаёт жараёнларини ҳозир ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ ўрганишлари лозим. Бусиз жиддий умумлашмалар чиқаришга умид боғлаб бўлмайди.* Газетадан. *Ҳар қандай назарий фаолият қонуниятлар жорий қилишга ва назарий умумлашмалар яратишга зарурат сезади..* F. Саломов, Таржима назариясига кириш.

УМУМЛАШМОҚ 1 Умумий хулосага келмоқ, хулосаланмоқ, якунланмоқ. *Фикр умумлашди. Умумлашган тажриба.*

2 Умумга, кўпчиликка, халққа тегишли бўлмоқ, халққа хизмат қиладиган бўлмоқ, халқ мулкига айланмоқ. *Хусусий хўжаликлар умумлашди.* ▬ [*Мавлонов:*] *Аввал колхоз тузиб, ерларни белгилаб олинглар-чи, тракторга умумлашган катта ер керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шахси умумлашган гап *тлш.* Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап.

УМУММИЛЛИЙ [умум.. + миллий] Бутунича миллатга, шу миллатдаги кишиларнинг барчасига тааллуқли, миллат учун умумий. *Умуммиллий тил. Умуммиллий бойлик.*

УМУМПАРТИЯВИЙ [умум.. + партиявий] Бутунича партияга тааллуқли, партия учун умумий. *Умумпартиявий иш.*

УМУМРЕСПУБЛИКА [умум.. + республика] Республикага тааллуқли, республика учун умумий; бутун республикага ёйиладиган, тарқаладиган. *Умумреспублика бадиий ҳаваскорлик кўриги.*

УМУМХАЛҚ [умум.. + халқ] Бутун халққа тааллуқли, бутун халқ учун умумий. *Умумхалқ мулки. Умумхалқ намойиши. Умумхалқ байрами.* ▬ *Чўлни ўзлаштириш умумхалқ ҳашари деб эълон қилингач, турли шаҳар ва қишлоқлардан одамлар бетўхтов кела бошлади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

УМУРТҚА *қ.* **умуртқалар.**

Умуртқа поғонаси Одам ва умуртқали ҳайвонлар скелетининг умуртқаларнинг ўзаро устма-уст қўшилишидан вужудга келадиган асосий қисми (унинг бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва дум бўлимлари бор). **Умуртқа канали** Ҳамма умуртқалар тешикларининг бирлашишидан ҳосил бўлувчи канал (орқа мия шу каналда жойлашган бўлади). **Умуртқа тешиги** Умуртқа танаси билан унинг равоғи ўртасидаги тешик.

УМУРТҚАЛАР *анат.* Одам ва умуртқали ҳайвонларнинг умуртқа поғонасини ташкил этадиган калта ғовак суяклар (одам умуртқаси тана, равоқ ва ўсиқлардан иборат).

УМУРТҚАЛИЛАР *зоол.* Гавдани тутиб турувчи умуртқа поғонаси бўлган ҳайвонлар гуруҳи.

УМУРТҚАСИЗЛАР *зоол.* Жониворлар оламининг умуртқа поғонаси бўлмаган гуруҳи.

УН I **1** Турли экинлар донини, асосан буғдойни тегирмонда тортиш йўли билан олинадиган кукунсимон озуқа. *Буғдой уни. Жўхори уни. Оқ ун. Кепакли ун.* ▬ *Бостирмада Зиёдахон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У қайроқи буғдой унидан ёғлиқ патир, сомса ёпди, қатлама пиширди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Жаннат хола шошиб ун чалиб, қуймоқ солди-да, болтани қўлига олиб, тўқайга қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Кукун ҳолига келтирилган маҳсулот. *Картошка уни. Суяк уни. Фосфор уни.*

Қулоғига ун босмоқ Эшитмайдиган, кар бўлиб қолмоқ. [*Хонзода:*] *Қулоғингга ун босдингми, етимча, етти кулча! Чилим!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бу ўзи қандай одам, қулоғига ун босқанму?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

УН II *эск. шв.* Товуш, овоз. *Анчадан сўнг итларнинг уни ўчди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Овозини эшитиш учун томоғига зўр бериб кўради. Фақат қандайдир хирилдоқ ун чиқади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

УНАМОҚ Бирор иш, илтимос, талаб ва ш.к. га розилик билдирмоқ; рози бўлмоқ, кўнмоқ. *Мулла Икром қийиқ одам бўлганиданми ёки касби шуни лозим кўрганиданми, муросага унамади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Менинг маслаҳатимга Омон, Омоннинг маслаҳатига мен унадим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [*Қушбеги:*] *Буйруғимни қўрбошига айтсанг, унар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УНАР-УНМАС Унча аҳамияти бўлмаган, арзимаган нарса, бўлар-бўлмас. [*Ҳасанали:*] *Унар-унмасдан баҳс қилиб, ниҳоят, бу унар-унмаснинг охирига шу саволни ҳам улаб юборди: -Бу гал Марғилонга кечикдингизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бора-бора ўша, «мусичадай беозор» эр тирриқлик қилиб, унар-унмасга Шаҳодатни ураверадиган бўлди.* «Муштум».

УНАШМОҚ 1 Унамоқ фл. бирг. н. *Улар ярашишга унашди. Болалар уйда қолишга унашмади.*

2 Хотин қилиб олиб бериш, хотинликка бериш учун ўзаро келишмоқ. *Отамга.. Ҳамрохоннинг қизи Зеваройни унашганлар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Энди қизни Олахўжанинг ўғлига унашибди, деб эшитдим.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. *Отабек гангиб, шо-*

шиб сўради: -Қайси қизига унашиб келдингиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УНАШТИРИШ *этн.* Никоҳ тўйидан олдин йигит ва қиз томоннинг розилигини расмийлаштириш, халққа маълум қилиш учун ўтказиладиган маросим.

УНАШТИРМОҚ *айн.* **унашмоқ 2.** *Онасини қўлга олиб, қизнинг ўзини алдаб-сулдаб, юқори қишлоқдаги бир бадавлат одамнинг ўғлига унаштирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

УНАҚА *с.т.* Ундай. [*Йўлчи:*] *Ёрмат ака, эртага борамизми, унақа одамлар жуда кекчи бўлади-ку?* Ойбек, Танланган асарлар. *Унақа олифта бўлса, келмасин эди! Ярашгани келганми, уй кўргани келганми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

УНАҚАНГИ *айн.* **унақа**.

УНВОН [*а.* عنوان – адрес; сарлавҳа, ном; белги, рамз] **1** *эск.* Мактуб устига ёзилган ном, қаерга, кимга жўнатилганлик ҳақидаги ёзув. *Кумуш хатни хотиннинг қўлидан олиб, раҳмат айтди ва хатнинг унвонига кўз ташлади: «Марғилон шаҳрида сокин Мирзакарим қутидор ҳовлисига».* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор иш-фаолият соҳасидаги алоҳида хизматни ёки мутахассислик даражасини расман эътироф этадиган, ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном. *Профессорлик унвони. Халқ артисти унвони.* ▬ *Эртасига.. келиб, уни лейтенант унвони ва взвод командири вазифаси билан табриклади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *эск.* Мерос бўлиб келадиган ёки иш-вазифа даражасини кўрсатувчи, шунингдек, инъом қилинган ҳурматли, фахрий ном. *Князлик унвони.* ▬ *Қорилик унвонини олиш учун мен ҳам бел боғлаган эдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Бухорога келиб, Зулфиқор билан Завракка «уста» деган унвон берилди. Энди улар мустақил иш қилишлари мумкин эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Подшоҳ оиласи Қосимбекка алоҳида эҳтиром билдирганда, унинг номига «амирлар амири»деган унвон қўшиб айтар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

УНГУР Тоғликлардаги тик ўйиқ жой; унча чуқур бўлмаган ғор. *Қайси бир унгурдан йиртқич қушнинг қийқириғи эшитилиб, акс садо беради.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Унгурлар қурилиш ишлари (йўл қуриш, газ ва нефть қувурлари ўтказиш)га салбий таъсир кўрсатади.* «ЎзМЭ».

УНДА 1 У олмошининг ў.-п. к. шакли. *Унда ҳеч қандай айб йўқ.* ▬ *Портретни суқланиб томоша қилувчилар унда бир камчилик кўришар, бу ҳам бўлса, жонон қизнинг кўз-ойнаги эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 У ҳолда, ундай бўлган тақдирда. *Дунёни кезиш билан шоир бўлиш мумкин бўлса, унда Али проводник шоир бўлиши керак: бутун мамлакатни кезиб чиққан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *..Унда тўғри бизникига кетдик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

УНДА-БУНДА 1 Бир-биридан анча узоқ масофада жойлашган, оралиғи бир-биридан узоқ бўлган; у ер-бу ерда. *-Бу атрофда сув йўқми? -Сув қаёқда? Унда-бунда қудуқ бор дейишади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Унда-бунда тўп-тўп сада, уларнинг орасида оппоқ гуллаган ўриклардан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.* Ойдин, Гулсанам. *Унда-бунда ёввойи эчкиларнинг изларигина кўзга ташланади.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Баъзи вақтлардагина; баъзан, гоҳо-гоҳо. [*Ёрмат*:] *Ўз декчамизни ўзимиз қайнатамиз. Хўжайиннинг қозонидан унда-бунда бир тотмасак.. мойсиз бўлса ҳам, ўз декчам яхши.* Ойбек, Танланган асарлар. *Иш давомида унда-бунда бегона сўзларни эшитиб, кейин эса китоб талаб, инглизчани бир оз билиб олдим.* «Гулдаста».

УНДАЙ *кўрс. олм.* У каби, ўшанга ўхшаш; унақа. [*Элмурод:*] *Иштаҳасини бўғиб қўйиш керак ундай одамларнинг.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Тавҳидий*:] *Яъни сен ҳам ит, деганингизми бу!? Мирза Баҳром ундай маъно чиқишини сира кўзда тутмаган экан, ўсал бўлди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. *Бироқ Шарофат ундай қилмади. У ўзини ерга отиб урди-ю, худди илон чаққандай тўлғаниб, йиғи бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

УНДАЛМА, ундалма сўз *тлш.* Сўзловчининг нутқи қаратилган бошқа бир шахс ёки предметни билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси. *Хўш, **Темир Мардонов**, бу гапга сиз нима дейсиз?* К. Яшин, Пьесалар.

УНДАМОҚ Бирор иш, ҳаракатни бажаришга чақирмоқ; даъват этмоқ, таклиф қилмоқ. *Виждоним, бутун фикрим мени масалани худди ана шундай узил-кесил ҳал қилишга ундар эди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Уни қандайдир бир куч борган сари*

Инобатни ҳурматлашга ундарди. Ж. Шарипов, Саодат. *Кимдир курси олиб келиб, ўтиришга ундар, Меъмор бўлса, бош ирғаб ташаккур айтар-у, ўтирмас..* Мирмуҳсин, Меъмор.

УНДА-МУНДА *с.т.* Унда-бунда. *Қирғоқда мажнунтол, унда-мунда терилмаган жийдалар маржондай қизариб турибди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. *..ўзининг унда-мунда бўлса ҳам ичишини пайпаслаб гапириши отамга хуш келмасди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

УНДАН-БУНДАН 1 Турли нарсалардан сайлаб. *Ўзи ҳеч нимани истамаса ҳам, қиз тортинмасин, деб ундан-бундан емакка уринди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Турли мавзуларда, ҳар тўғрида. *Ундан-бундан сўзлаб ўтирди.* ▬ *Гоҳо маҳалланинг бекорчилари киради. Ундан-бундан гаплашиб, баъзилари эрмак учун маҳсиларни бўяб, пардозлаб ўтирадилар.* Ойбек, Болалик.

УНДОВ Ҳаракат қилишга таклиф, чақириқ; буйруқ, амр. *Қалб амри, виждон ундови.. билан урушга жўнаган саноқсиз шерзод баҳодирларимиз орасида.. журналист ҳамкасбларимиз ҳам оз эмасди.* Ҳ. Тожибоев, Жанговар қаламкашлар.

Ундов белгиси *тлш.* Ундов гап охирига қўйиладиган белги(!). **Ундов гап** *тлш.* Ҳис-ҳаяжон ифодаловчи гап. **Ундов сўз** *тлш.* Ҳис-ҳаяжон, ҳайдаш, чақириқ каби маъноларни ифодаловчи сўз, мас., *тисс, чу, оҳ, вой.*

УНДОВЧИ 1 Ундамоқ фл. сфдш. *Ёхуд қари отасининг сабр-бардошга ундовчи насиҳатлари.. йўлига ғов эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *этн.* Тўй куни келиннинг ота-онаси томонидан куёв ва унинг меҳмонларини келиннинг уйига таклиф қилиш учун юбориладиган вакил.

УНДОШ: ундош товуш *тлш.* Оғиз ва бўғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учраб ҳосил бўладиган, таркиби фақат шовқиндан ёки овоз ва шовқиндан иборат бўладиган товуш. Мас., **б, в, д** товушлари.

УНДОҚ *с.т* Ундай. *-Ҳа-ҳа, ундоқ дегин, — деди Ефим Данилович чўзиб, гўё мушкул бир масалани зўрға тушуниб олгандай.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УНИВЕРМАГ [*р.* «универ(сальный) маг(азин)» бирикмасининг қисқартмаси] Хилма-хил кенг истеъмол товарлари (кийимлар, уй жиҳозлари, хўжалик товарлари), жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи чакана савдо корхонаси. *Марказий универмаг.* ▬ *Домла бозор қилишни, магазинга киришни жинидан баттар ёмон кўрар эди, кимдир уни универмагда.. кўрибди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

УНИВЕРСАЛ I [*лот.* universalis — умумий, кенг қамровли, кўп томонлама] **1** Кўп ёки ҳамма нарсани ўз ичига қамраб олган; ҳар тарафлама. *Универсал билим. Универсал билимга эга одам. Универсал магазин.* ▬ *Саидий маълумот жиҳатидан универсал бўлишни яхши кўради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бир неча хил ишни бажаришга мосланган. *Универсал станок.*

УНИВЕРСАЛ II *с.т.* Бир неча хил ишни бажара оладиган трактор. *Культивация қилиб, жўяк оладиган универсал иши устидан алоҳида назорат ўрнатилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Универсалнинг тишли катта ғилдираклари ҳовлини теша билан чопгандай қилиб юборибди.* М. Мансуров, Ёмби.

УНИВЕРСАЛЧИ Универсални бошқарувчи шахс (*қ.* **универсал** II).

УНИВЕРСАМ [*р.* «универса(льный) м(агазин)» бирикмасининг қисқартмаси] Озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, баъзи бир хўжалик товарлари билан савдо қилувчи, истеъмолчилар талабларини тўла таъминлаш учун хизмат қиладиган йирик магазин.

УНИВЕРСИАДА [универс(итет) + (олимп)иада] **1** Талабаларнинг бутунжаҳон спорт мусобақалари.

2 Ўзбекистонда: «Талаба» спорт уюшмаси ташкил қиладиган оммавий мусобақа. *«Универсиада-2002» мусобақаларининг сўнгида шаҳарнинг марказий стадионида спорт шоншарафи музейи очилди.* Газетадан.

УНИВЕРСИТЕТ [*нем.* Universität < *лот.* universitas, universitatus — жами, барчаси; йиғинди, мажмуа] **1** Таркибида бир қанча табиий-математик ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги факультетлари бўлган, айни йўналишларда юксак малакали мутахассислар тайёрлайдиган кўп тармоқли олий ўқув-илмий муассаса. *Ўзбекистон миллий университети. Университетга кирмоқ.* ▬ *Мен сизни университетда ўқитаман, аспирантурада ўқитаман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 Умумий маълумотни ва сиёсий билимни ошириш соҳасидаги бир қатор ўқув муассасаларининг номи. *Халқ университети.*

3 *кўчма* Билим, малака, тажриба ва ш.к.ни эгаллаш, ошириш учун манба бўлган даргоҳ, жой. *Қизилқум кўпгина йигит-қизлар учун университет ҳам бўлди.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *Чўл ўнлаб, юзлаб ёшлар учун жасорат, қаҳрамонлик, фидокорликнинг ажойиб университетига айланди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

УНИКАЛ [*лот.* unicus – яккаю ягона, бирдан-бир] *қ.* **нодир, ноёб.** *Уникал қўлёзма. Уникал асар. Уникал тажриба.*

УНИТАР [*фр.* unitaire – ягона, яхлит < *лот.* unitas – бирлик; бирлашиш]: **унитар давлат** Давлат тузилиши шакли; бунда бутун давлат ҳудуди, федерациядан фарқли равишда, ўз таркибида федератив бирликлар (республикалар, штатлар ва ш.к.)га эга бўлмайди, балки давлат суверенитети аломатлари бўлмаган маъмурий-ҳудудий бирликлар (департаментлар, вилоятлар, туманлар ва б.)га бўлинади.

УНИФИКАЦИЯ [*лот.* uni, unus – бир + facere – қилмоқ]: **унификация қилмоқ** Ягона тизимга, шаклга, бир хилликка келтирмоқ; уйғунлаштирмоқ. *Машина деталларини унификация қилмоқ. Алифбони унификация қилмоқ.*

УНИФИКАЦИЯЛАШТИРМОҚ *айн.* **унификация қилмоқ** *қ.* **унификация.** *Илмий терминологияни унификациялаштирмоқ.*

УНЛИ I Уни бор, ичига ун солинган. *Унли қоп.*

УНЛИ II: **унли товуш** *тлш.* Оғиз ва бўғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамай ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат (шовқин деярли иштирок этмайдиган) товуш. Мас., **а, и, о** товушлари.

УНМОҚ 1 Ривожланиб, бошланғич поя ва баргчалар ҳосил қилмоқ; ниш ҳолати юз бермоқ (экилган уруғ ҳақида). *Орадан кўп вақт ўтмади, янги нав уруғ униб чиқди.* Н. Сафаров, Дон.

2 Ўсиб чиқмоқ, ўсмоқ. *Яккам-дуккам унган маккажўхори ниҳоллари, парвариш нималигини билмай, қисилиб ётибди.* «Муштум». *Саҳролар қўйнида чаманлар униб..* Уйғун.

3 Юзага келмоқ, ҳосил бўлмоқ, етишмоқ. *Қунт билан ўрган ҳунар, Ҳунардан ризқинг унар.* Мақол. *Тер тўкиб меҳнат қилсанг, Ердан ҳатто зар унар.* Мақол. ■ *Ер ўтдими, улар ҳам ҳозирдан бизга ўтади. Ҳаммаси ердан унган нарсалар..* «Шарқ юлдузи».

4 Жисмоний етук ҳолга келмоқ, улғаймоқ, етилмоқ. *Отни тойчалигида кўрган киши, у от бўлгач, кўрса танимаганидек, эшон ҳам ўн йил ичида ўсиб, униб, тамом бошқа қиёфага кирган йигитни таний олмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Қисташ, талаб қилиш, таъсир кўрсатиш натижасида қўлга кирмоқ (қарз, насия, зиёфат ва ш.к. ҳақида). *Қарз унди.* ■ *Ҳаммасини ундирамиз. Қани, унмай кўрсин-чи!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мирослав ютқизган зиёфат унадиган бўлибди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

6 Яхши натижа бермоқ, унумли бўлмоқ. *Шошганнинг иши унмас.* Мақол. ■ *Энди, хўжайин, иш унсин десангиз, ошни пешинга дамлатасиз.* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимга келди.

УННАМОҚ 1 Бирор нарсанинг ҳаракатини қилмоқ, унга киришмоқ (асосан, овқат, таом билан боғлиқ иш-ҳаракатлар ҳақида). *Санобархон эрта туриб, тандир сомсага уннаб кетди.* Ғайратий, Йўқлов. *Хосиятхон, ҳеч нарсага уннаманг, мен узоқ ўтирмайман..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Шарифа ошхонада қозонга уннаётган эди.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси. *Ёши қайтган, хушфеъл аёл икки қизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Дарҳол дастурхон ёзиб, овқатга уннай кетди.* Мирмуҳсин, Ажрим.

2 Ҳаракат қилмоқ, уринмоқ. *Минг уннасаларинг ҳам, азалий дўстларни бир-биридан ажрата олмайсизлар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Булардан ташқари ҳам «Хамса» ёзмоққа уннаб кўрган шоирлар кам бўлмади..* Ғ. Ғулом, Тарихий муносабатлар.

3 Тегинмоқ. *Бай-бай-бай, бирам ширин уннадики оғзимга.* Ойбек, Улуғ йўл. *Титкилаб юрган эди, унинг қўлига этик уннади.* «Муштум».

УННИҚМОҚ Бўғиқ қора тусга кирмоқ. *-Уни* [*Сўнагулни*] *ўйлайвериб, ориқлаб, унниқиб кетдим.. – деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Асқар полвон қорайиб унниққан эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Солининг фиғони осмонга чиқди. Бир-икки соат ичида унинг қора юзи баттар унниқиб кетди.* Ё. Шукуров, Уч савол.

УНОБИ, унноби [*а.* عنّاب / عنّابه] *айн.* **чилон, чилонжийда**.

УНС [*а.* انس – яқинлик, улфатлик, хушмуомалалик, меҳрибонлик; шодлик; самимий суҳбат] *эск. кт.* Яқинлик, қадрдонлик

муносабати; дўстлик. *Хуллас, устод билан шогирд ўртасида самимий унс пайдо бўлиб, бир-бирларини тез-тез йўқлайдиган.. бўлдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

УНСИЗ 1 *эск. айн.* **ундош.**

2 Товушсиз, товуш чиқармай. *Супа лабида унсиз йиғлаб, омонатгина ўтирган Лаъли бирдан онаси томон ўгирилди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

УНСУР [*а.* عنصر – элемент, модда; таркибий қисм; келиб чиқиш, ирқ] **1** Бир бутунни ташкил этган мураккаб нарсанинг таркибий қисми. *Неон чироқлари ёритиб турган чизмакашлик столи ёнида биринчи тўғоннинг вертикал унсурларини оққа кўчираётган экан.* «Саодат». *Демак, поэтик образ ва тасвирий воситалар муайян бир услубнинг унсурларигина, холос.* «ЎТА».

2 *эск. айн.* **элемент 1.** *Кимёвий унсур.*

3 *эск.* Маълум бир ижтимоий гуруҳ вакили. *Бузғунчи унсур. Реакцион унсур. Ёт унсур.* ▬ *Орамизда бу қўрқинч ҳолатга баҳаққи тушунадиган яхши одамлар йўқ, билъакс, бузғунчи ва низочи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқурига қараб тортадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўқ, Зиёдахон опа, мен унсур эмасман! Агар мени биров унсур деса, ҳақимга жуда-жуда жабр қилади* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

УНТЕР-ОФИЦЕР [*нем.* Unteroffizier < unter – қуйи, энг кичик + офицер] Бир қанча мамлакатлар, жумладан, чор Россияси армиясида кичик командирлар таркибидаги ҳарбий хизматчи унвони.

УНУМ 1 Етиштириладиган, бўладиган, ҳосил. *Ишга қўним – хирмонга унум.* Мақол. ▬ *Ер куч билан, тер билан унум беради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кечикиб экилган ғалла ҳам, чигит ҳам, Матқовулнинг кейин берган ишловларига қарамай, яхши унум қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Йиғиб бутун унумни Қайси бозорга ортдинг?* Ғайратий.

2 Иш, меҳнат натижаси, кўрсаткичи; маҳсулдорлик. *Устозлар тажрибасидан баҳраманд бўлган ёш чўлқуварлар юксак унум билан меҳнат қилдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Титраш таъсирида одам хаёли паришон бўлади.. ишининг унуми бўлмайди.* «Фан ва турмуш».

УНУМДОР Унум бериш, унумлилик даражаси юқори. *Тошкент қадимдан серқуёш, мусаффо ҳаволи, серсув, унумдор тупроқли шаҳар сифатида шуҳрат қозонган эди.* «Саодат».

УНУМДОРЛИК 1 Унум бериш, унумлилик даражаси. *Ернинг унумдорлиги, экинларнинг ҳосили ошади. Очлик-ночорликдан асар ҳам қолмайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан тўйинтирилган ерлардагина унумдорлик юқори бўлишини унутмаслик керак.* «Фан ва турмуш».

2 *иқт.* Ишлаб чиқариш самарадорлигини акс эттирувчи, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми, сифати ва меҳнат харажатлари ўртасида миқдорий (сон бўйича) ўзаро боғлиқлик.

УНУМЛИ 1 Яхши унум (ҳосил) берадиган. *Унумли ер.*

2 Яхши натижали, иш-натижа кўрсаткичи яхши. *Унумли меҳнат. Унумли техника воситалари.* ▬ *Пахтакор тадбиркор бўлиб, янги тажрибалардан унумли фойдаланса, меҳнати унумли, ҳосили баракали, турмуши завқли бўлади.* Газетадан.

УНУМСИЗ 1 Яхши унум бермайдиган, унуми йўқ. *Унумсиз тупроқ.*

2 Яхши натижаси, самараси йўқ. *Унумсиз машина. Унумсиз меҳнат.*

УНУТ: **унут бўлмоқ** *с.т.* Хотирадан ўчмоқ, эсдан чиқиб кетмоқ, унутилмоқ. [*Эътибор опа:*] *Худо шифо берса, ҳеч гап эмас, бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади!* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кўпни унутсанг, ўзинг унут бўлишинг жуда осон.* Р. Файзий, Балли, она қизим.

УНУТМОҚ 1 Хотирадан, эсдан чиқармоқ; эслаёлмай, билмай қолмоқ. *Бировнинг исмини унутмоқ.* ▬ *Азимов ҳамма нарсани унутиб, бутун борлиғи билан шахмат тахтаси устига энгашиб олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ахир орадан 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Унутган бўлиши мумкин.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Эсига келмаслик, ёдидан чиқармоқ; эсламаслик. *Ошга туз солишни унутмоқ.* ▬ *Зарифбой қимматбаҳо телпагини ҳам унутиб, отнинг бошини чўрт бурди.* С. Сиёев, Аваз. *[Йўлчи] Меҳнат учун ҳақ олишни ҳам унутиб, Ёрматнинг орқасидан кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўзини унутмоқ Шошиш, ҳаяжон, ғазаб ва ш.к. сабабдан эс-ҳушини, ақлини йўқотмоқ. *..бирда мурувватпеша, бирда жоҳилликдан ўзини унутадиган Муҳаммад Раҳимхон [Авазнинг] ҳам шафқатини уйғотар, ҳам нафратига туртки берарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Маълум муддат хаёлидан чиқармоқ, ўйламай қўймоқ. *Элмурод далада ўзини эркин сезар, ғам-ҳасратни унутар, юраги сиқилмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Менга қолса, у хумпар Марғилонда хотини борлигини унутиб юборган, деб ўйлайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УНЧА 1 Олмош вазифасида, миқдор билдирувчи сўз ёки сўз бирикмаси ўрнида (одатда, *бунча, мунча* сўзи билан бирга) қўлланади. *Мирзакаримбой ўйлаб қолди: Бегона қурсин, сўзга қулоқ осмайди, унча бер, мунча бер, деб жанжаллашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Белги, миқдор, ҳаракат билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, белги, миқдор, ҳаракат даражасининг меъёрдан пастлигини, кучсиз, кам эканини билдиради; у қадар, айтарли. *Кўчада одам унча кўп эмас. Шамол унча кучли эмас. Бобом унча қари эмас.* ▬ *Сой, унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоят тез оқар.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Мунисхон.. ҳаётга анчайин енгил қарайдиган, эртага нима бўлиши билан унча қизиқмайдиган одам эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Айт, севганингни(нг) сенга парвоси йўқми унча?* Э. Воҳидов.

УНЧАЛИК *айн.* **унча.** *Келган-кетган одамлар билан унчалик иши йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмаджон ҳали бу овнинг гаштини татиб кўрмагани учун унчалик тажанг бўлмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Барно унчалик ёмон, унчалик беҳаё қиз эмас.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

УНЧА-МУНЧА 1 Озроқ миқдорда; бир оз, сал-пал. *Қизи тушмагурнинг тили унча-мунча аллага ҳам келиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қараса бўлмайдиган, участка қуриш вақтида унча-мунча чиқимдор бўлиб қолибди.* «Муштум». *Холиқова унча-мунча юридик маълумотга эга.* М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат. *Ўзи ҳам унча-мунча нарса йиғиб қўйган.* С. Нуров, Нарвон.

2 Ўрта даражадаги; оддий, жўн. *Сиз унча-мунча одамнинг ишини ойдинда оёғингиз билан қилиб қўясиз.* П. Қодиров, Уч илдиз. [*Ўтбосар*:] *Унча-мунча машиначиларни назаримга илмай, бир кун шаҳарнинг энг машҳур тикувчиларидан бирига.. бордим.* Ғайратий, Эпчил куёв.

УПА 1 Гигиена ва косметика мақсадларида ишлатиладиган хушбўй ва ниҳоятда майин кукун. *Ёғ упа. Упа қутичаси. Упа қўймоқ.* ▬ *Бозоров яшикларни очиб қўйди: оққанд, конфет, совун, атир, упа.. Буларнинг муаттар ҳиди гуркураб, димоққа уриб, қизларни қувонтириб юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Упага ўхшаш майин кукун ҳақида. *Юзингизда чангни кўрдим Гўё бўз ер упаси.* П. Мўмин. *Упаси кўпроқ гуручни 4-5 маротаба эринмай ювиш зарур.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

УПА-ЭЛИК Пардоз учун ишлатиладиган упа, ёғупа, сурма ва ш.к. *Хотиннинг ёши ўттиздан ошган бўлса-да, упа-элиги, пардози билан ёшроқ кўринар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У ичкаридан сочини орқасига танғиб, лабига қизил суркаб, упа-элик қўйиб чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўп ўтмай.. Чилонзордаги магазиннинг упа-элик бўлимида ишлаётганмиш, деган гап тарқалди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

УПОР *қ.* **уфор**. *..ғув-ғув арилар ёпишган ва кишини элитарли даражада упор пуркаган қийғос гул-чечаклар буркамиш ёнбағирларда кўклам нашъаси ҳукмрон.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

УПҚУН *кам қўлл.* Ҳаво ёки ел билан тараладиган ҳарорат (совуқ ёки иссиқ) таъсири. *Дўлнинг упқуни! Яқин бир жойда дўл ёғяпти.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

УРА [< *т.* урҳо-ур < урмоқ] I *унд.с.* Ҳужум қилаётган жангчиларнинг жанговар нидоси; кўтаринки руҳ билан маъқуллаш ёки хурсандликни ифодаловчи нидо, хитоб. *Қаердадир пулемёт тариллади; якка милтиқ товушлари, ура садолари келди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *У эшикдан чиқиши билан бир гала бола ё «ура!», ё «ола» деганини англаб бўлмас даражада шовқин солиб, уни ўртага олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

УРА II **Урмоқ** фл. рвдш. *Лекин бу орада Алижон болта билан ура-ура, дарвоза ҳалқасини узиб юборган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

УРА III: **ура солиб** Эпчиллик билан, тезда. *Ойликни тўплаб олади-ю, «хайт!» деб*

ура солиб жўнайди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ура қочмоқ** Тезлик билан, лип этиб қочмоқ. *«Тўхтанг, ада», — дейиши билан «Зуҳра чақиряпти», деб ўйлаган Неъматжон куёв ура қочди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. *Бола билан мен коппон томон ура қочдик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

УРАН I [*юн.* Uranos — Осмон; осмон маъбуди] Қуёш системасига кирувчи ва Қуёшдан узоқлиги бўйича 7-сайёра. *Ураннинг ўндан ортиқ йўлдоши мавжуд.* «ЎзМЭ».

УРАН II [*лот.* Uranium < *юн.* Uranos] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; радиоактив хоссага эга бўлган кумушсимон оқ металл. *Уран рудалари.*

УРБАНИЗАЦИЯ [*фр.* urbanisation < *лот.* urbanus — шаҳарга оид < urbs — шаҳар] **1** Жамият ҳаётида демократия ва маданиятнинг умумий ривожи билан боғлиқ ҳолда саноат, ишлаб чиқариш ва аҳолининг шаҳарларда тўпланиши ҳамда шаҳарлар мавқеи (роли)нинг ошиб боришидан иборат ижобий ижтимоий-демографик жараён.

2 Шаҳарга, саноат марказига хос белги ва хусусиятларнинг тарқалиши, жорий бўлиши (мас., қишлоқ жойларда).

УРВОҚ 1 Муштлаш, ёйиш ва б. жиҳатдан ишлов берилаётганда, тахтага ёки супрага ёпишмаслиги учун хамир, зувала ва ш.к. га сепиладиган ун. *Урвоғига чидаган юпқа қилади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Мол ёки қўй жигари қалинлиги 2 см ҳажмида шапалоқдек қилиб кесилгач, урвоққа беланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *кўчма* Энг кичик бўлак, зарра. *Ҳар биримиз халқнинг бир урвоғимиз.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. [*Тилланинг*] *Урвоғи ҳам кўринмайди.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

Урвоқ ҳам бўлмайди Талаб учун мутлақо етмайди, маъносидаги ибора. *Бойнинг арзимас садақаси Миркомилларнинг оиласига урвоқ ҳам бўлмасди.* «Фан ва турмуш». *Қўйэчкилар оч. Самолётда ташланган ем-хашаклар урвоқ ҳам бўлмаяпти.* Газетадан.

УРЁН [*а.* عريان — яланғоч, очиқ, очилиб қолган] *кт. поэт.* Яланғоч. *Барин, барин шилиб олгувси, Бечора халқ урён қолгувси.* М. Али. *Ғайрату ғафлат сенинг Жавлон ўзинг, урён ўзинг.* Э. Воҳидов.

УРИЛМОҚ 1 Урмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Боши деворга урилди. Ташқаридаги эшик бир нарса билан қаттиқ-қаттиқ урилди.* ▬ *Жиззали нон, исириқ, қалампир, мева ҳиди димоғига урилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *кўчма* Ишидан, лавозимидан қаттиқ танқид (айблов) билан бўшатилмоқ, олинмоқ.

УРИНМА *мат.* Эгри чизиқ устига бир нуқтада тегиб ўтган тўғри чизиқ.

УРИНМОҚ 1 Ўзини ҳар томонга урмоқ, ҳар ёққа талпинмоқ; ҳаракат қилмоқ, интилмоқ. *Қафасда қуш уринаётир.* ▬ *Бозорда юрган халқ — фуқаро ҳам кир-юпун, исқирт, ғазабли, шошади, туртинади, уринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор ишни бажаришга киришмоқ; уннамоқ, тутинмоқ; бирор иш билан банд, овора бўлмоқ. [*Назокат*] *Ошга уринди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Чол ойнагини олиб, кўз ёшини артди ва яна ишга уринди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сайфини илгарироқ ишга жўнатдим-да, ўзим нимагадир уриниб, кечроқ қолиб бордим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор ишни бажариш, бирор нарсага эришиш ва ш.к. учун ҳаракат қилмоқ, ҳаракатида бўлмоқ. *Қиз уни [товуқни] ушлаб олгани кўп уринди, жуда қийналиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аъзам кун бўйи Муҳиддинни холироқ учратишга уриниб кўрди, бўлмади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Иложи борича унинг шеърларини ерга уришга, Ферузнинг кўзи олдида обрўсизлантиришга уриндилар.* С. Сиёев, Аваз.

4 Ҳолдан тоймоқ; чарчамоқ; қийналмоқ. [*Ўғил:*] *Жон она, ўзим йўлда жуда уриниб келдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир оз кутмабсиз-да, қори ака, иссиқда анча уриниб қолибсиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кумушбиби.. оғриқлардан шикоят қилиб юрар, шунинг учун онаси «тинч ухласин, ортиқ уринмасин!» деб бугун намозга ҳам уйғоттирмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кўчма* Асли ҳолатини, сифатини йўқотмоқ; эскирмоқ. *Уринган рўмол.* ▬ *Уйга уриниб, эзилиб қайтиб келган нонни ейдиган одам йўқ.* С. Аҳмад, Нон-насибамиз ҳақида. *Мактуб анчагина уринган, қоғоз шалақланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Чопон] Жуда янги бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда уринмаган..* Т. Малик, Ажаб дунё.

Сўз уринмоқ Сўз айланмоқ, сўз тегинмоқ. *Сўз уринди, сўздан сўз чиқди, ниҳоят, ҳожининг кутганидек, ўғил ҳасрати ҳам бошланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УРИНЧОҚ 1 Ҳар ишга уринаверадиган, серҳаракат; тиришқоқ. *Масъудахон уринчоқ қиз эмасми, бу касбнинг паст-баландига тезда тушуниб олди.* Газетадан.

2 Тинч турмайдиган, уринаверадиган, тек турмас. *Уринчоқ бола.*

УРИШ 1 Урмоқ фл. ҳар. н. *Юрак уриши.*

2 Ўзаро жанжал, можаро. *Уриш, қўйдичиқди ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи уришлар шундай арзимаган нарсадан чиқадики, орадан совуқ гаплар ўтиб, «ҳордиқ чиққандан кейин», уриш нимадан чиққанини на эр эслай олади, на хотин.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Уриш, жанжал кўпаймасин, деб бутун дардимни ичимга ютаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

УРИШИҒЛИ Ўзаро чиқишолмаслик, жанжаллашиш туфайли муносабати бузилган; кўришмайдиган, гаплашмайдиган. *-Мен қув эмасман! — деди кулиб Кумуш. — Мен ҳали уришиғли ҳолдаман, ярашганим йўқ!* А Қодирий, Ўтган кунлар.

УРИШМОҚ 1 Урмоқ фл. бирг. н. *Ёмон уришдими? Ўлдиришдан ҳам тоймайди бу безорилар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўплашиб уларни отларига миндиришди-ю.. отларнинг сағрисига хипчин уришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уст-боши юпун йигитлар, чоллар қулоқларини рўмол билан боғлаб олиб, кетмон уришади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ёқалашмоқ, олишмоқ. *Бизнинг ўғил кўп яхши-да: биров билан уришмайди, папирос чекмайди..* А. Қаҳҳор, Асарлар. *-Шариат номидан фатво берманг! — деди мулла Абдужалил, худди уришишга тайёрланаётган хўроздай бўйнини чўзиб.* «Муштум».

3 Ёмон, ҳақоратли сўзлар билан бирбирини койимоқ, бир-бири билан айтишмоқ. *..Маъсума бека ўртага тушиб: -Уришманглар, бир-бирингизга қаттиқ гапирманглар.. — деди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фалокат босиб эр-хотин уришиб қолишди. Охир бўлмади, ажралиб кетишди.* Газетадан.

4 Насиҳатомуз, қаттиқ гап-сўз айтмоқ; койимоқ. *Қайтиб бормайман, деган экан, Зиёдахон уришибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Менинг ойим бир ёқдан, уй ишларига ёрдамлашмадинг, деб уришади, бир ёқдан, қўлингни совуқ сувга урма, дейди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

5 Жанг қилмоқ, жангда қатнашмоқ. *У* [*Мирзаев*] *оддий қисмда оддий аскар бўлиб уришиб юрганида, бўлинма командири..* [*унга*] *бир совға берди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Дадам Берлин қулагандан кейин Узоқ Шарққа бориб, японлар билан ҳам уришибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

УРИШТИРМОҚ 1 Уришмоқ фл. орт. н. *Маҳалла болалари, ўспирин йигитлар юнги ҳурпайган икки катта кучукни уриштирадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сидиқжоннинг хотинини чақиртириб, икковини уриштирганинг.. нимаси?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сайил кунларида.. савдо-харид, баъзида курашу дор, қўчқор уриштириш ҳам авж оларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бир-бирига урмоқ, тегизмоқ (асосан қадаҳ ҳақида). *Темиржон эса қадаҳ уриштириш у ёқда турсин, ақлини йўқотиб, хомуш ўтирарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *-Институтни муваффақиятли тугатганингиз учун! — деди Рашид ва [пиёласини] Муҳаррамнинг пиёласига уриштирди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Кўз уриштирмоқ Бир-бирига маънодор қараб қўймоқ; тикилмоқ. *Бектемиров кулди. Бўйнини чўзиб, одамлар орасидан чолни топиб, кўз уриштириб олди, кейин имлаб, ёнидан жой кўрсатди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Пул уриштирмоқ** Пулни ишга солмоқ, пулни айлантирмоқ (савдода). *Бу катта бозорда пул уриштириб бойийдиганлар, корчалонлар, уддабуронлар тўлиб-тошиб ётибди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. **Сўз уриштирмоқ** Сўз талашмоқ, баҳслашмоқ. *-Раҳбар билан сўз уриштириб чакки қилдингиз, отам, — деб тўсатдан гина қилди Ойимхон.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ҳарф уриштирмоқ** Ҳарфларни бир-бирига қўшмоқ, боғламоқ. *Китоб саҳифасидаги катта қора ҳарфларни овоз билан бир-бирига уриштириб, бир маъно чиқариш қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳар қандай завқдан ортиқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

УРИШҚОҚ 1 Арзимас баҳона туфайли кишилар билан уришаверадиган; жанжал чиқараверадиган; жанжалкаш. *Уришқоқ бола.* ▬ *Гулнор қайнаналарнинг кўпининг бадфеъл, уришқоқ бўлишини яхши билса-да, Йўлчининг онасини меҳрибон, кўнгилчан, ғоят*

самимий бир қайнана каби тасаввур қилди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Уришадиган, зўр, зўравон. *Шу пайт обдан боқилиб совитилаётган уришқоқ хўрозлар меҳмонлар ўтирган уй деразасига келиб, ўз акслари тушган ойнани чўқий бошладилар.* «Муштум».

УР-ЙИҚИТ Жисмоний куч қўлланадиган тўполон, ола-ғовур; муштлашиш; бир-бирини ўлдириш; қирғин. *Қоронғи уйда ур-йиқит, муштлаш, отишма, дод-вой бошланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кайфи хийла даражага етган бек ур-йиқит орасидан эсон-омон чиқиб, отига базўр миниб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Муштлашиш, ур-йиқитни миршаблар ҳам босолмади.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

УР-КАЛТАК 1 *айн.* **ур-йиқит**.

2 Жиноятчини, айбдор шахсни, давлат рухсатисиз, ўзбошимчалик билан жазолаш, уриш. *..ғазабга келган оломон, элликбошилар, рўйхатчи мирзаларни ур калтак-сур калтак қилиб, тарқатиб юборди.* К. Яшин, Ҳамза.

УРМОҚ 1 Қўл ёки бирор восита билан зарб бермоқ. *Бола итни урди.* ▬ *Ота писмиқ югуриб келиб, бошимга шақ этиб уриб қўйди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бектемир милтиқ қўндоғи билан унинг пешонасига бир урди. Душман шилқ этиб тушди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Аҳмад ҳалқани урди, эшик шу заҳоти очилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Калтакламоқ, дўппосламоқ. *Мени Писмиқ майна қилгани-ю, мен уни чала ўлик қилиб урганим-у.. Ҳаммаси ўша куниёқ бувимнинг қулоғига етиб келди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Уни уриб, озор берманглар, унда гуноҳ йўқ, бу бир англашилмовчилик!* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Тиғли қуроллар (қилич, найза, ништар) билан солмоқ (санчмоқ, тиқмоқ, чопмоқ). *Ништар урмоқ. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса, бировга ур!* Мақол. ▬ *Бектемир бургутдай сапчиб, душман қорнига найза урди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У бехос ёндан келиб, фарғоналикнинг елкасига қилич уриб, отдан қулатди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Робиянинг оёғидан қучоқлаб олган қисиқ кўзли йигитнинг биқинига ханжар урди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Мўлжалга олиб тегизмоқ; отмоқ. *Нишонга аниқ урмоқ. Икки юз метрдан мўлжалга урмоқ. Бир кесак билан икки қарғани урмоқ.* Мақол. ▬ *..бу қадар мерганлик билан ураётган батареянинг кўзи — кузатувчисини немис пайқайди-ю, бир снаряд билан ғарамнинг кулини кўкка совуради.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 Тегмоқ, урилмоқ. *..олмазор боғлардан тутун кўтарилиб, димоққа болаликдан таниш бўлган аччиқ тезак ҳиди урди.* О. Ёқубов, Излайман. *Гулнорнинг ғойиб бўлиши Йўлчига яшин урган каби таъсир кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қудуқ тубидан ураётган салқин хуш ёқиб, Отамурод бирпас ўтирган бўлди.* М. Мансуров, Ёмби.

6 Шиддат билан ёғмоқ. *Дўл урди.* ▬ *Шу куни бутун кун ёмғир майдалаб уриб турди ва кечга яқин қорга айланди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Чапараста ураётган қор кўз очиргани қўймайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

7 Бир нарса орасига, ичига солмоқ, жойламоқ; беркитмоқ. *Газетани қўлтиғига урмоқ. Қўлини чўнтагига урмоқ. Нарсаларини сумкасига урмоқ.* ▬ *Биз тоғ камарига киришимиз билан чол садақани чўнтакка уриш учун ўзини чордевор ичига олган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

8 Ювиб ўпирмоқ, емирмоқ, бузмоқ. *Тошқин урди.* ▬ *Бу йилги сел бугун сойнинг у томонини олса, эртасига бу томонини уриб кетаверди.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари. *Қоровул шўра ва ялпизларни ўриб, сув урган жойга тиқа бошлади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

9 Зарб билан ҳаракат қилмоқ, тепмоқ. *Беморнинг томири билинар-билинмас уриб турар эди.* ▬ [*Болтабой*] *Отдан тушиб, уни дарахтга боғлар экан, уй ичидан чиққан «инга-инга» деган товушни эшитиб қолиб, юраги дукиллаб урди.* Ж. Шарипов, Саодат.

10 Айрим сўзлар билан қўлланиб, шахс ёки нарсага шу сўзлар билдирган нарсанинг таъсири ўтиши маъносини билдиради. *Чалақудуқ деган жойда Давроновни офтоб уради.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Кўндаланг культивация ҳозир сув билан ҳаводай зарур. Шу бўлмаса, қалин кўчатларни гармсел уради.* И. Раҳим, Ихлос.

11 Лой, кесак, ғишт ва ш.к. ни тартиб билан термоқ; териб, қалаб, бирор нарса қурмоқ, бунёд қилмоқ. *Пахса урмоқ. Токчани урмоқ. Тешикни урмоқ. Эшик ўрнини урмоқ.* ▬ *Кечгача қалтираб девор урдик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

12 Солмоқ, қўймоқ, босмоқ. *Эшакка нўхта урмоқ. Отга эгар урмоқ.* ▬ *Бир неча солдат келиб, маҳбусларни ушлади, ясовул ҳаммасининг қўлига кишан урди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўтос тақиб бўйни узун жийронга, Қирқ қуббали юган урди бошига.* «Равшан».

13 Ўзини бирор жойга олмоқ. *..артистлар ўйин кўрсатади, аммо, оғайнилар, сичқоннинг ини минг танга деб, ертўлага уриб кетманглар тағин.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Одамлар жон ҳовучлаб, ўзларини ўрмонга урадилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

14 *с.т.* Тўла истеъмол қилмоқ; емоқ, ичмоқ. *Шароб – узум сувидан тайёрланадиган ажойиб ичимлик, ўзи хуштаъм, бир коса уриб олсангиз, вақтингиз чоғ бўлиб кулаверасиз.* М. Осим, Тўмарис. *Қани, нонни синдириб, қаймоққа булаб-булаб уриб олингларчи.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

15 Ўз фойдасига олмоқ, ўзиники қилмоқ; ўғирламоқ. *..деҳқонлар билан суҳбат қилиб, пахтафуруш бойларнинг ҳам тошторозидан, ҳам нархдан уриб, уларни куйдиришларини билиб олар.. эди.* К. Яшин, Ҳамза. *-Бугун подшонинг хазинасини урамиз. Шайланинг, йигитлар! – деди.* «Чалпак ёққан кун».

16 *с.т.* Танқид қилмоқ, қораламоқ. *Отабувамни ковлаб, газетага уриб чиқишди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

17 Ж.к. билан келган баъзи отларга боғланиб, ниманидир шу отдан англашилган жойгача етганлигини билдиради. *Қулф уриб яшнаган беда белга уради. Лой тиззага уради. Сочи тақимига урадиган қиз.* ▬ *Майдонда бизникилар кўринмас эди. Қор белга урар эди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

18 Баъзи сўзлар, жумладан, мустақил қўлланмайдиган сўзлар билан бирикиб, шу сўзлар англатган нарсанинг юз бериши, бўлиши маъносини билдиради. *Жўш урмоқ. Барқ урмоқ. Қулф урмоқ. Жавлон урмоқ.* ▬ *Умрида қўлига қилич ушламаган қўпол ўғлининг юрагида жанг ва ғалаба сурури туғён урарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Яхши парвариш қилинган ғўзалар мавж уриб ривожланяпти.* Газетадан.

19 Миқдор (саноқ) сонлар билан қўлланиб, шу сон билдирган ёшга кирганлик маъносини билдиради. *Ҳаш-паш дегунча қирқни уриб қўйибмиз.* ▬ *Похол устида.. афтидан, етмишларни уриб қўйган кампир ўтирарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Худо ёрлақаса, ҳадемай саксонни уради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Бало урмоқ Бирон-бир шикаст емоқ, ёмонликка учрамоқ. *Жони ҳам, боши ҳам метин экан, шунча санчаман, Гулнорга бало урганини эшитганим йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бош уриб келмоқ** Нажот излаб, паноҳ истаб келмоқ. *Бош уриб келдим ҳузуринга..* У. Исмоилов, Сайланма. **Ерга урмоқ** *қ.* **ер**. **Жигардан урмоқ** Шайдо қилмоқ, ишқ-муҳаббат уйғотмоқ. *Тақсирни ҳам урибди-ку жигардан, Мажнун бўлиб кетманг яна саҳрога.* Ҳ. Олимжон. **Йўлдан урмоқ** *қ.* **йўл**. **Меъдага урмоқ** (*ёки* **тегмоқ**) *қ.* **меъда**. *Сертаманно кеккайган таннозлар ёхуд нима десанг кўнаверадиган чўрисифат лақмалар дарров меъдага уради.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Юракдан урмоқ** *айн.* **жигардан урмоқ**. *Юракдан биринчи марта урган ишқ-муҳаббат кимнинг эсидан чиқади..* С. Зуннунова, Янги директор. *Биронтаси юрагингдан ургандир, бўлмаса, қандай шамол учирарди сени бемаҳалда бу ёққа.* «Гулдаста». **Ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам урмоқ** *қ.* **ўт**. **Қўл урмоқ** 1) *айн.* **қўл тегизмоқ 1.** *қ.* **қўл.** *Авазнинг қисташига қарамай, қайтиб ҳандалакка қўл урмади.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) бирор иш, нарсага дахл қилмоқ, тутинмоқ, киришмоқ. *Ахир у қўл урган иш битмай қолмайди-ку.* «Гулдаста». *Ҳар қандай қинғир иш қиладиган одам, аввало, ўзига суянчиқ топиб олади, кейин хиёнатга қўл уради.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

УРНА [*лот.* urna – кўза, ваза] **1** Махсус куйдирилган мурда хоки сақланадиган идиш.

2 Яширин сайловда бюллетенлар ташлаш учун мослаштирилган махсус қути, яшик.

3 Турли чиқинди, папирос қолдиқлари ташланадиган махсус идиш.

УРНАМОҚ *қ.* **уннамоқ, уринмоқ**. *Яна ишга урнаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳасанали паловга урнаш учун ташқарига чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қани, нонга қаранглар. Жамолиддин, ё ошга урнаб юборайми, а?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УРОЛОГ Урология мутахассиси, врач, шифокор.

УРОЛОГИК Урологияга оид. *Урологик кабинет. Урологик клиника.*

УРОЛОГИЯ [*юн.* uron – сийдик + logos – таълимот] Клиник тиббиётнинг сийдик аъзолари системасини, жинсий аъзолар касалликларини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганувчи, шунингдек, бу касалликлар диагностикаси, давоси ҳамда олдини олиш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

УРПОҚ *с.т.* Урвоқ. *Урпоғингда бўлса, уруғингга татийди.* Мақол. ▬ *..мактаб қўлидан кетса, сўфиликдан келадиган даромади тирикчиликка урпоқ ҳам бўлмас экан.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

УР-СУР Тортишувли жанжал, тўполон; муштлашиш, уриш. *Умуман айтганда, маҳалла аҳил, аммо гоҳо хонадонлар орасида олди-қочди ғийбат, ур-сурлар бўлиб туради.* Ойбек, Болалик. *Неча-неча қонли жанг, ур-сур бўлса ҳам, Лекин тетик қоядай турди мустаҳкам.* Шуҳрат. *Шу аснода кўчада бирдан ур-сур бошланиб кетди.* Ойбек, Нур қидириб.

УРТМОҚ *эск.* Ўраб олмоқ, қопламоқ, беркитмоқ. *Хотин бошини катта рўмол билан уртиб олди. Китобларни қоғоз билан уртиб қўймоқ.*

УРТУК *эск.* Сиртдан қоплаб турувчи парда. *Лойқа сув кўксида пуфакдек оқиб, Қаерга борасиз, енгил кўпиклар. Бир чўп ё бир хасга илашмак билан Йиртиларди юздан сирли уртуклар.* Ғайратий.

УРУШ 1 Қабилалар, давлатлар ёки ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги уюшган қуролли кураш. *Фуқаролар уруши. Иккинчи жаҳон уруши.* ▬ *Урушнинг иккинчи йили отаси армияга кетди-ю, қўлида ҳунари йўқ она икки бола билан қолди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳар эшикда бир қайғу санқир, Қора уруш узоқ чўзилди.* У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 Томонлар ўртасида қуролли жанг, тўқнашув. *Аҳмаджон шериклари билан урушдан хийла узоқда дам олиб ётган бир қисмга келиб тушди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскари билан халқ орасида уруш бошланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УРУҒ 1 Ўсимликнинг муртак, озиқ моддалари ва қобиқдан иборат ҳосили; дон, тухум. *Сочилган уруғ униб чиқди. Бемаза қовуннинг уруғи кўп.* Мақол. *Тер тўкиб, сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ.* Мақол. ▬ *Кўкламда она-бола тоғ этагидаги қўриққа чиқиб, белкурак билан ер ағдариб, лалми буғдой экишди, лекин қурғоқчилик бўлиб, уруққа ҳам чув тушишди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Жониворлар, ҳашаротларнинг жинсий ҳужайраси; тухум. *Бир чуғурчуқ бир кунда ўн мингтагача ҳашаротни ейди. Ҳашарот эса, йўқ бўлиб кетмаслиги учун, миллионлаб тухум қўяди.* С. Нуров, Нарвон.

3 Ипак қурти капалагининг тухуми, қурт уруғи. *Самарқанд қурт уруғи заводи фақат оқ пилла ўрайдиган ипак қурти уруғлари тайёрлай бошлади.* Газетадан.

4 *биол.* Эркаклар жинсий бези ишлаб чиқарадиган, жинсий ҳужайралардан иборат суюқлик; сперма, маний.

5 *кўчма* Кўпайтирадиган, кўпаядиган, урчийдиган нарса. *Болалагида унинг миясига илм уруғи қадалса, кейин сермева дарахт бўлиб униб чиққай.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Низомулмулк фитна уруғини узоқни мўлжаллаб, жуда махфий сепмоқда.* Ойбек, Навоий.

6 (*3-ш. бирл. шаклида:* **уруғи**) Айрим сўзлар билан қўлланиб, шу сўз англатган нарса ёки шахс тоифаси, кўплиги маъносини билдиради; зоти. *Бўлса бўлар, бўлмаса – хотиннинг уруғи Ҳиротдан келган эмас!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Дунёда китоб уруғи борки, ҳаммасини ўқиб бўлдим.* «Муштум».

7 Бир ота-боболан, бир аждоддан келиб чиққан кишилар гуруҳи; авлод. *Бир уруғданмиз.. алоқаларимиз бузилмасин.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Султон Аҳмадбек орага одам қўйган. Бутун уруғлари билан сизнинг марҳаматингизга мунтазир.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

8 Ибтидоий жамоа тузумида: ўзаро қонқардош бўлган кишилардан иборат дастлабки асосий ташкилот, уюшма, жамоа. *Илгари оқсоқоллар бошчилигидаги ҳар бир уруғ ўзини бир-биридан юқори қўяр, бир-бирининг одатидан, тилидан кулар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Широқ бизнинг уруғдан. Ўзи эртакчи, достончи доно чол.* М. Осим, Широқ.

Анқонинг уруғи *қ.* **анқо. Уруғини ўйнатмоқ** Ниҳоятда азоб бермоқ. *Бир томчи қонинг қолгунча уруғингни ўйнатади.* С. Исмоилзода, Темур. **Уруғини қуритмоқ** 1) авлоди билан қириб юбормоқ. [*Умарали*:] *Нусратилла ака, мен-чи.. мен ҳар қандай душманингизнинг уруғини қуритаман.* А. Мухтор,

Опа-сингиллар; 2) батамом йўқ қилиб юбормоқ. [*Дадажон*:] *Муродова яна бир-икки йил турадиган бўлса, чилимнинг уруғини ҳам қуритадиганга ўхшайди*. И. Раҳим, Ихлос.

УРУҒДОН 1 *анат*. Одам ва ҳайвонлар эркагида уруғ ҳужайралар – сперматозоидлар шаклланадиган жинсий безлар.

2 *бот*. Ўсимликнинг уруғ етиштирувчи ва сақлаб турувчи қисми, қобиғи.

УРУҒДОШ Бир уруғ аъзоси, уруғ. *У билан уруғдошмиз*. ▬ *У* [*Ойнагул*] *ҳам ёвмут қизи. Ўз уруғдошини беҳуда йўқотишмас.. – деди Фарҳод Дурдига*. А. Ҳакимов, Илон изидан.

УРУҒЛАМОҚ 1 *қ.х.* Уруғ ҳосил қилмоқ. *Беда уруғлай бошлади. Пиёз иккинчи йили уруғлайди*.

2 *кўчма* Кўпаймоқ. *..иллатларнинг уруғлаб кетишига.. кўпчиликнинг лоқайдлиги ҳам сабабчи*. Газетадан.

3 *шв. айн.* **қўзиламоқ** II. *Қўлидаги пиёлани кўриб.. хумда уруғлаб ётган ёғидан тўлдириб берди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УРУҒЛАНМОҚ *биол*. Уруғ (сперма) билан қўшилмоқ (она тухум ҳужайраси ҳақида) *Ҳомиланинг ривожланиш жараёни тухумдонда уруғланиш билан бошланади*. «Фан ва турмуш»..

УРУҒЛИ Уруққа эга, уруғи бор. *Майда уруғли ўт*.

УРУҒЛИК Уруғ (экиш) учун ажратилган нарса (дон, мева, ҳосил ва б.). *Уруғлик чигит. Уруғлик картошка*. ▬ *Самарқанд деҳқонлари очарчиликда уруғлик донларини еб қўйган эмишлар*. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

УРУҒХОНА Уруғлик сақланадиган жой.

УРУҒЧИ *қ.* **уруғшунос.**

УРУҒЧИЛИК 1 Ўсимликшуносликнинг навли уруғ етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси; тармоғи; уруғ тайёрлаш. *Уруғчилик хўжалиги*. ▬ *Ҳа, айтгандай, устод шу яқин кунларда уруғчилик совхозига келар эканлар. Хат олдим*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Пахтачиликнинг истиқболи ҳақида ўйламайдиган калтабин ходимгина уруғчилик ишини ташкил этишга менсимасдан қараши мумкин*. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Уруғ ажратиш, уруғларни бир-бирига зидлаш (*қ.* **уруғ 7**). *Қулжон эшон, Мулламуҳаммад, Нафас Охунлар ўтакетган мутаассиб, жоҳил бўлганидан, уларда қабила, уруғчилик таъсири кучли*. А. Ҳакимов, Илон изидан. *Энди, ана шу касофат уруғчилик зимдан ўртага тушиб, ишнинг белига тепади*. П. Турсун, Ўқитувчи.

УРУҒШУНОС Уруғ етиштириш, уруғчилик билан шуғулланувчи мутахассис, олим. *Селекционерларимиз ва уруғшуносларимиз олдида жиддий вазифалар турибди*. Газетадан.

УРУҒШУНОСЛИК Уруғлар тўғрисидаги фан, уруғчиликнинг назарий асоси; агрономиянинг бир бўлими.

УРФ [*а.* عرف – эътироф, баҳо бериш; расм, одат, таомил; ўрганиш] Умум томонидан қабул қилинган ва амал қилинадиган тартиб-қоида; расм, таомил. *Ҳар бир халқнинг ўз урфи бор*. ▬ *Биз кўпинча ажойиб, кўрилмаган, ҳалигача урф бўлмаган ранго-ранг гулларни дасталаганда.. қайси боғда битган-у боғбони ким? деб суриштириб ўтирмаймиз*. Газетадан. *Пошша хола эгнида эса шаҳар урфидан чиқиб қолган қора духоба чопон*. Д. Нурий, Осмон устуни.

УРЧИМОҚ Кўпаймоқ, кўплаб насл юзага келтирмоқ. *Пашша жуда тез урчийдиган ҳашаротдир*. ▬ *..яйловда урчиётган чорва моллари ҳам давлат ва жамоат бойлигидир*. Н. Сафаров, Оловли излар

УРЧУҚ 1 Толалардан қўлда ёки машинада ип йигириш, пишитиш учун ишлатиладиган мослама ёки қурилма; дук. *Қўрғоннинг ичида бир неча қора уй қатор тикилган ва буларнинг олдида ёш болалар икковлашиб.. туя юнгидан урчуқ билан ип йигирадилар*. С. Айний, Қуллар.

2 Тўқимачилик саноатида: ип йигирув машиналарининг ипни пишитиб ўрайдиган қисми; дук, йиг. *Бир кило.. пахта чит бўлиб тўқилгунча Минглаб моки отилур, минглаб урчуқ айланур*. Ғ. Ғулом. *Улар пиллакашлик фабрикасининг кенг, ёруғ корпусларига кириб, мингларча урчуқларга майин ипак толалари ўраётган йигит ва қизларни кўришибди*. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

УРҒОЧИ Эркакка қарама-қарши жинсли (ҳайвон, жонивор). *Урғочи айиқ. Урғочи бузоқ*.

УРҒУ *тлш*. Турли фонетик воситалар (мас., овозни кучайтириш) орқали бўғин ёки сўзни ажратиш, шу ажратишга хос кучли талаффуз.

Урғу белгиси Урғули унли устига қўйиладиган диакритик белги. **Урғу бермоқ** Нутқ жараёнида бирор сўз ёки унинг қисмига алоҳида диққат жалб этиш мақсадида уни бошқаларидан ажратиб, кучлироқ айтиш. *Мамажон ака унинг [инженернинг] «ўртоқ» сўзига урғу берганини сезди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Рўпарадаги ошхона ойнасидан мўралаган ошпаз хотин «д» ҳарфига урғу бериб деди: Келдила Сиддиқ акангиз.* «Муштум».

УРҒУЛИ Урғуга эга, урғу тушган, урғу билан айтиладиган. *Урғули бўғин. Урғули унли.*

УРҒУСИЗ Урғуси йўқ, урғу тушмаган. *Урғусиз бўғин.*

УСКУНА [*а.* اسکنه] **1** Муассаса, корхона учун зарур бўлган нарсалар, ашё; жиҳоз. *Ошхона ускуналари. Мактаб ускуналари. Лаборатория ускуналари.* ▬ *[Ғуломжон:] Тақсирим менинг мактабимни ғорат қилдим, ускуналарини ёндирдим, деб хурсанддирлар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Замонавий ускуналар билан жиҳозланган медицина-санитария маркази қуриб, фойдаланишга топширилди.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

2 Касб-ҳунар амалиётида зарур бўладиган қурол ва мосламалар. *Дурадгорлик ускуналари. Наққошлик ускуналари.*

УСКУНАЛАМОҚ Зарур нарсалар, асбоб, қурол ва ш.к. билан таъминламоқ, ускуналар билан жиҳозламоқ. *Лабораторияни янги техника билан ускуналамоқ.* ▬ *Электростанция қуринг. Заводингизни ускуналанг.* Н. Сафаров, Уйғониш.

УСЛУБ [*а.* اسلوب – тартиб, тартиб-усул; усул, йўсин; шакл] **1** Тил унсурларининг маълум вазифа бажаришига боғлиқ ҳолда бирлашадиган, тил бирликларининг ўзига хос танланиши, бирикиши ва ш.к. билан характерланадиган тизимлар. *Тил услублари. Функционал услублар.* ▬ *Демак, турли поэтик образ ва тасвирий воситалар муайян бир услубнинг унсурларигина, холос.* «ЎТА».

2 Тил воситаларидан фойдаланишнинг маълум бир ёзувчи, асар, жанр учун характерли бўлган усуллари мажмуи. *А. Қаҳҳор услуби. Фельетонлар услуби.* ▬ *Навоий учун Хусрав [Деҳлавий] ўзига хос услубга эга бўлган ажойиб лирик шоир ҳамда буюк хамсанависдир.* «ЎТА».

3 Тил воситаларининг экспрессив-услубий белги асосида танланиши (сайланиши); нутқнинг сўз қўллаш ва синтактик меъёрларга мос ҳолда тузилиши. *Китобий услуб. Расмий услуб. Илмий услуб.*

4 Ишлаш, бошқаришдаги ўзига хос йўл, усул. *Раҳбарлик услуби. Сузиш услуби. Мирзачўл пахтакорларининг иш услуби.* ▬ *Бинокорликда шарқона услуб кўплаб бинолар кўркига кўрк қўшди.* «Фан ва турмуш». *Марказнинг асосий мақсади – дунёдаги энг яхши ўқитиш услубини ўрганишдир.* «Фан ва турмуш».

УСЛУБИЙ Услубга оид. *Услубий хато.* ▬ *Санъат турларининг уйғунлашуви учун умумий услубий хусусиятларнинг мавжудлиги зарурий шарт ҳисобланади.* «Саодат».

УСЛУБИЯТ [*а.* اسلوبیّت – «услуб» с. дан] *тлш.* Тил бирликларининг услубий имконият ва хусусиятлари, функционал-услубий, эмоционал-экспрессив бўёғи, шунингдек, нутқда тил воситаларини мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

УСЛУБШУНОСЛИК Тилшуносликнинг турли услубларни ўрганувчи соҳаси; стилистика.

УСМОНЛИ: усмонли турк Туркларнинг қадимги номи (турклар салтанатининг асосчиси, Туркия султони Усмон I исмидан).

УСТ 1 Нарсаларнинг юқори томони; тепа; *зид.* **паст**. *Усти очиқ аравага юклар ортилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ясси қора столларнинг ён-вери одамга, усти эса уюм-уюм китобга тўла.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Эрининг ёрдамида хонтахта устини ширинликлардан бўшатди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дўконхона бурчагида усти ейилган, текис косиб тўнкаси..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ичга қарама-қарши томон; сирт. *Пальтонинг усти. Идишнинг усти.* ▬ *[Гулсумбиби] Усти кўк сирли катта челакни олиб, сигир соққани оғилхона томон кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сидиқжон этикни чироққа солиб, устини, ичини кўрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Саодатхон устига ҳеч нарса ёзилмаган, елимланган конвертни портфелига солиб қўйди.* С. Зуннунова, Янги директор.

3 *кўчма* Кийим, кийимлар мажмуи; уст-бош. *Усти юпун, қорни оч, озғин бола унинг ўзи эмасдек туюлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шу ҳам баҳонами? Устинг бут, қорнинг тўқ. Қордан қўрқасанми?!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 *кўчма* Зимма, масъулият. *Ҳоким текшириб, ҳеч бир натижа чиқара олмагандан кейин, айбни карвонсарой қоровули устига қўяди.* Ш. Зуннун, Ҳийлакор ўғри. *Бу йўлда қанча зарба бўлса, устимга олишга ҳозирман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к., ч.к. аффикслари билан (**устига, устида, устидан**) кўмакчи вазифасида макон, пайт, объект каби муносабатларни ифодалайди. *Меъмор аравадан тушиб, бир муддат бўлса ҳам майса устига ёнбошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қўрғонбеги от устида қўрғоннинг у бошидан бу бошига чопарди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Чой устида эри руҳиясини кузатади, унинг нечундир кайфи бузуқ..* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. *Пастда қамишзор ботқоқлик ва унинг устидан ўтган узун ёғоч кўприк бор эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Домла икки шиша пивонинг устидан юз грамм ароқни битта отиб, ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

Усти ялтироқ — ичи қалтироқ Кўринишдан яхши, мазмун-моҳияти яроқсиз, номақбул.

УСТА [*ф.* استا — ўргатувчи, муаллим] **1** Бирор касб-ҳунар билан шуғулланувчи малакали мутахассис. *Соатсоз уста. Этикдўз уста. Тикувчилик устаси. Иш устасидан қўрқар.* Мақол. ▬ *Бу бинони ким қурган, Кўк билан улаштириб? Қоматин заб ўхшатган Устаси келиштириб.* Қ. Муҳаммадий. [*Тўлаган:*] *Оғил солган усталарга доим қарашдим, лекин бировдан бир чақа сўраганим йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Уста солмоқ Уста, мутахассис ёллаб ишлатмоқ. *Сидиқжон онаси кутгандан ҳам ортиқроқ ғайрат қилиб, ҳаш-паш дегунча ёғоч, сомон, бўйра, тахта ва бошқа нарсаларни ташиб олди ва тездан уста солди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Маълум касб ёки ҳунарни эгаллашга ўргатувчи шахс; раҳбар, устоз. *Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомда йўрғалар.* Мақол. ▬ *Устанинг шогирди — ўн тўрт яшар Йўлдош дераза олдида ўтирарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ака-ука уста қўлида уч йил ишлашди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Шундай шахсларни билдирувчи сўзларга (шахснинг исми ёки *бува, амаки* каби сўзларга) қўшиб ишлатилади. *Қишлоқ чеккасида уста Абдуваҳоб деган, Аштдан кўчиб келиб қолган тожик яшайди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Уста бобонинг кайфи чоғ эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Уста амаки, мундан халат тикиб берсангиз.* «Гулдаста».

4 Бирор иш, соҳанинг машҳур, моҳир билағони; моҳир. *Бадиий сўз устаси. Юқори ҳосил усталари. Санъат усталари.*

5 Спортнинг у ёки бу соҳасида маълум натижаларни қўлга киритган спортчиларга бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Спорт устаси. Хизмат кўрсатган спорт устаси.*

6 Эпчил, чечан. *Марасул ака, кўк пиёз тўғрашга устасиз..* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Гапга ҳам уста экансиз..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Майнабозчилик қилишга уста эди Раҳим ака.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

УСТАБУЗАРМОН Бирор нарсани тузатаман, яхшилайман деб уриниб, уни бузиб қўювчи, ишдан чиқарувчи, қош қўяман деб, кўз чиқарувчи шахс. *Бола деган сал бўйи чўзилгандан кейин, мол боқади, бозор-ўчарингни қилади. Наҳотки тарақ-тарақ қилиб, устабузармон бўлиб ўтирса.* Ойдин, Ўзига монанд. *Буни нон ейишдай осон деб ўйламанглар, устабузармонлар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УСТАВ [*р.*] *қ.* **низом**.

УСТАЗОДА [*ф.* استازاده — устанинг боласи] Ота-боболарининг ҳунарини эгаллаган фарзанд.

УСТАКОР [*ф.* استاكار — бирор ишга моҳир киши] **1** Маълум иш ёки ҳунар бўйича усталарга бошчилик қилиб, уларни бошқарувчи, бош уста; корхона бошлиғи. *Уста Олим билан уста Фарфининг сўзларидан, илгарида бир устакорникида ишлаганликлари.. ва шундан сўнг* [*уста Олим*] *ўз уйига дўкон қуриб, ўзича ишлай бошлаганлиги англашилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ном чиқарган уста; усталарнинг устаси.

УСТАКОРЛИК 1 Устакор иши. *Устакорлик қилмоқ.*

2 Устакорга, устачиликка хос. *Номаълум киши қандайдир бир ишни бажармоқчи бўлиб, ҳар турли устакорлик асбобларига диққат билан кўз ташлади.* Ғайратий, Тун қўйнида.

УСТАЛИК 1 Уста эканлик. *Ҳаммасини ҳам қўйинг-а, гапга усталиги.. ва гап орасида кулиб қўйишларини қаранг.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

2 Устага хос маҳорат; моҳирлик. *Юрьев бу йўлнинг ана шу ноқулайликларидан уста-*

лик билан фойдаланади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Биканинг уйида қанчадан-қанча жиҳозлар.. кимхоб тўшаклар, усталик билан ишланган Хива ёйма кўрпалари.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Устага оид, уста билан боғлиқ (*қ.* **уста 1**). *Усталик ишим йўқ. Самоварга чой ичгани келдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

УСТАМА 1 Пул ҳисобида тайинли (белгиланган) миқдорга қўшиб бериладиган; устига қўшимча. *Агар пайкал сифатли ҳайдалган бўлса, механизаторга устама ҳақ тўланади.* Газетадан. *Кузга бориб меҳнат ҳақидан ташқари қанча устама мукофот олишларини ҳам хаёлида чўтлаб айтиб берди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

2 Маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлмаган, таннархдан ташқари, таннарх устига қўйиладиган. *Хуллас, эгов ва бошқа бир қанча товарларга ҳам мудирнинг ҳакалак отган нафсига жавоб берадиган даражада устама нарх қўйилди.* Газетадан. *Ўғитларни жойлаштириш учун катта-катта омборлар зарур. Мана шуларнинг ҳаммаси устама харажатларни анча кўпайтириб юбормоқда.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *с.т. кам қўлл.* Қўшимча равишда; яна. *Бир неча тарёкийлар менинг ҳикояларимдан ўзларидан кетай деб қолдилар, баъзилари ҳозиргина еган афюнлари эсларида йўқ, яна устама афюн еб олдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

УСТАНОВКА [*р.* установить – «ўрнатмоқ, қурмоқ; белгиламоқ, йўлга қўймоқ» фл. дан ясалган от] **1** *қ.* **қурилма.** *Фарғона азот ўғитлари заводида эса баъзи янги қувват ва установкалар белгиланган муддатларда ишга туширилмаган.* Газетадан.

2 *қ.* **қўлланма, кўрсатма**. ..*шогирдлари томонидан илгари сурилган методологик ва методик установкалар тўғрисида гапириш керак эди.* «ЎТА».

УСТАРА Соч-соқолни қириш учун ишлатиладиган ўткир тиғли, дастали асбоб. *Сочини устара билан қирдирган, янгигина марғилоннусха дўпписи ўзига ярашиб турарди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Отаси Афғонистондан олиб келган дандон сопли устара ярим очиқлигича чормихга илиниб турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

УСТАХОНА [уста + хона] **1** Бирор нарса ясаш, тайёрлаш ёки таъмирлаш учун махсус жиҳозланган кичик муассаса ва унинг биноси. *Умарали техника устахонаси олдида қаторлашиб турган машиналар ичида.. «Победа» га ҳавас билан қаради.* И. Раҳим, Ихлос. *Аваз ярим соатча дам тортиб ўтирди-ю, бу тор, нимқоронғи устахонадан зерикиб, чиқиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Корхона, хўжалик ва ш.к. ларда устачилик, таъмирлаш ишларини олиб борувчи бўлим. *Хўжаликларнинг устахоналари бу ишга мослаштирилмаган, йиғиш сифати техника талабларига мутлақо жавоб бермайди.* Н. Худойқулов, Ер тафти. *Ҳар бир ўқув кабинети ва устахонага комбинат бўлинмаларининг раҳбарлари бириктириб қўйилган.* Газетадан.

3 Рассом, ҳайкалтарошнинг иш олиб борадиган жойи, хонаси (хоналари). *Рассом ўз устахонасида ёлғиз ижод қилади.* Газетадан.

УСТАЧИЛИК Уста бажарадиган ишлар билан шуғулланиш. *Устачилик қилмоқ. Устачиликни йиғиштирмоқ.*

УСТ-БОШ Шахсга хос, оёқ кийимидан бошқа ҳамма кийимлар. ..*янги уст-бош тўғрисида ҳам, янги этик тўғрисида ҳам ўйламас.. эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аксарининг уст-боши юпун, маҳсиларининг йиртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради, кимларда похол тиқилган эски калиш, кимларда жағи йиртиқ кафш, лекин улар шод.* Ойбек, Танланган асарлар.

УСТИГА-УСТАК Бунинг устига, буниси етишмагандай. *Тушда иштаҳа бўлмай, қовун билангина таҳаммул қилганларидан, қорин оч, бунинг устига-устак жазирама офтоб.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

УСТКИ 1 Юқорида, тепа қисмда жойлашган; юқориги, тепадаги. *Устки тиш. Устки жағ. Уйнинг устки қавати.* ▬ [*Камолхонов*] *Сулаймоновнинг кулмаганини кўриб, ўзини жиддий кўрсатиш учун, қошларини чимирди, устки лабини сўра бошлади.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун.

2 Нарсанинг ташқи қисмида, сиртида жойлашган; сиртидаги. *Нормат бинтни противогаз халтасининг устки чўнтагига солиб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шудгорларни бороналашни тупроқнинг устки қатлами етилиши биланоқ бошлаш керак.* Газетадан.

УСТМА-УСТ *рвш.* **1** Бири устига бошқасини қўйиб, қалаштириб. *Китобларни уст-*

ма-уст жойламоқ. ▬ [*Маҳмуд Торобий*] *Бозор кунлари икки инисини икки ёнига олиб, устма-уст тахланган ғалвир-элакларни орқалаган ҳолда, пиёда Бухорога жўнар.* М. Осим, Маҳмуд Торобий.

2 Кетма-кет, уст-устига. *Отига устма-уст қамчи босди.* ▬ *Мадамин пастга тушиб, Худойқулнинг биқини ва кўкрагига устма-уст тепди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Душман*] *Буталарни оралаб юз эллик метрча яқин келганда,* [*Аҳмаджон*] *устма-уст икки сидра ўқ ёғдирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

УСТОД [*ф.* استاد – муаллим, ўргатувчи] *кт. айн.* **устоз**. *Аваз ҳар куни эрталаб улуғ устодларининг китобларини ўқиб, дарс оларди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *У ҳатто Ҳиротда қолиб, бошқа бир ерда истиқомат қилса ҳам, устоднинг қўлида хизмат этишни истарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

УСТОДОНА [*ф.* استادانه – устоз каби; моҳирона] *рвш.* Устодларга ўхшаш, устодларга хос. *Мажддиддин парвоначи.. бармоқларини енгилгина қисирлатиб, устодона тур билан мажлисга қаради.* Ойбек, Навоий.

УСТОЗ [*ф.* استاد – муаллим, ўргатувчи; уста] **1** Касб, ҳунар, илм ва ш.к. ни ўргатувчи; ўқитувчи, муаллим. *Устозидан сабоқ олган, аудиторияларда бўладиган баҳслар ва жиддий машғулотларда қатнашган студент, бўшаган заҳоти, иккинчи уйи – ётоқхонага шошилади.* Газетадан.

2 Йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи, мураббий; раҳнамо, ўқитувчи, муаллим. *Бобур отдан тушиб, устози билан кўришар экан, бирдан кўнгли юмшаб, кўзларига ёш қуйилиб келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шундай қилиб, китобни кўтариб, минг истиҳола билан устоз Миртемирга яқинлашдим.* Газетадан. *Сизлар, сизларнинг устозларингиз отнинг қашқасидай маълум бўлиб қолгансиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

УСТОЗЛИК Устозга хос ҳолат, мавқе; устоз иши. *Мунис ёмон бир сўз айтмоқчи бўлди-ю, яна устозлик ҳурмати, ўзини тийди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

УСТОМОН Жуда усталик, муғамбирлик, ҳийлакорлик билан муомала қиладиган; айёр, ҳийлагар, маккор. *Тўрахонов устомон, обрўси ҳам баланд, ёлғонни ҳам қойил қилади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Толипов жуда устомон киши, фирибгарликни эзги қилиб ичиб юборган.* «Муштум».

УСТОМОНЛИК Устомонга хос хислат, хатти-ҳаракат. *Туя ютса, думини кўрсатмайдиган бу очофатлар ғоят устомонлик билан иш битириб юришган экан.* «Муштум». *Унинг сўзларидан қандайдир устомонлик баъзан-баъзан кўзга ташланиб қолади.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

УСТУВОР [*ф.* استوار – чидамли, маҳкам, тўғри, ўткир, кучли] *эск. кт.* Маҳкам, мустаҳкам, бузилмас. *Яна қонлар тўкиб устувор қилдик..* Ғ. Ғулом.

Устувор йўналиш Биринчи даражали, устун йўналиш. **Устувор турмоқ** 1) қимирламасдан, мустаҳкам турмоқ; 2) *кўчма* иккиланмасдан бир фикрда қатъий турмоқ.

УСТУН I [*ф.* استون / ستون – тиргак, поя, тирговуч, таянч] **1** Томни кўтариб турувчи тик таянч ёғоч. *Меъмор айвонга қаради: пешайвоннинг ўша тўрт устуни кўзига оловдек кўринди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Лаъли отхонанинг ўт ялаётган хариларини, чарсиллаб ёнаётган устунларини кўрди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *архит.* Бино пештоқи ва шифтининг асосий таянчи; колонна. *Театр пештоқининг устунлари. Фойе устунлари.* ▬ *Станция айвонининг баҳайбат устунлари, ранг-баранг ясаниб, поезд кутишга чиққан одамлар аста-секин суза бошлаганда, Элмурод тоқат қилолмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Умуман, бирор нарсани кўтариб туриш, осиб қўйиш ва ш.к. учун фойдаланиладиган узун тик ёғоч ёки шу тахлитда ишланган қурилма. *Чегара устуни. Йўл кўрсатувчи устун.* ▬ *Ажалнинг ништари бағрим йиртади, Шиқирлатиб дор устунга тортади.* «Ширин билан Шакар». *Кетмон кўтарган икки мўйсафид унинг ёнидаги электр устуни тагида гаплашиб ўтирарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

4 *физ.* Ҳаво босими ёки ҳарорат ўлчаш асбобларининг тик шиша найчаси ичидаги суюқлик. *Симоб устуни пасая бошлади.* ▬ *Суюқлик устуни қанча баланд бўлса, босими шунча катта бўлади.* «Физика».

5 *кўчма* Ушлаб, тутиб, сақлаб турувчи шахс; таянч, суянчиқ. *Афсуски, орамизда устоз Абдусамад Аввал йўқлар, маърифат иморатининг бир устуни йиқилиб тушди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Тунов куни шаҳардан чиқиб келаётган уч-тўрт оқсоқол мени кўрсатиб, «районнинг устуни» дегани қу-

лоғимга чалинди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Устунлари тезлик билан яксон қилинган бўлса ҳам, эски жамият осонликча қуламади.* «ЎТА».

Дунёга устун бўлмоқ Абадий яшамоқ. [*Исломхўжа*:] *Ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз. Ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас.* Ж. Шарипов, Хоразм.

УСТУН II Бирор жиҳатдан юқори, баланд, кучли. *Сон жиҳатдан устун.* ▬ *Мирзакаримбойнинг қизи Нурунисонинг табиатида енгиллик билан макр устун турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эл-юрт манфаатлари ҳар бир нарсадан устун ва улуғ.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Устун чиқмоқ (*ёки* **келмоқ**) Ғалаба қозонмоқ, ғолиб келмоқ; енгмоқ. *Одамларнинг салобати унинг қайғусидан устун келдими.. энди у йиғламас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Туғилаётган янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш жараёнида илғор фикр устун чиқди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

УСТУНЛИК I Устунга мўлжалланган, устун учун ишлатса бўладиган. *Устунлик ёғоч.*

УСТУНЛИК II Юқори, устун ҳолатга эгалик; устун эканлик. *Рамазон қори бу сафар ҳам ўзининг устунлигини ҳис қилар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Айниқса, Кенжанинг асосий характеристикалари ўзиникидан устунлиги бу масалани янада ойдинлаштиради.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

УСТУНЧА 1 Устун I **1** с. кичр. *Ариқчалар бўйида.. икки томондан бир-бирига рўпара қилиб, қатор устунчалар ўтказилган.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *бот.* Гулнинг уруғи (оналик) оғизчаси билан тугунчаси оралиғидаги найчасимон қисми.

УСТ-УСТИГА *рвш.* Иш-ҳаракатнинг такрорланишини ифодалайди; бирин-кетин, устма-уст. *Куч олади қарсак қалблардан, Уст-устига тушади хитоб.* Э. Раҳим. *Эшик қўнғироғи уст-устига жиринглаб, холанинг хаёлини бўлди.* «Гулдаста».

УСТУХОН [*ф.* استخوان – сўнгак, суяк] Суяк, сўнгак (одатда, эт билан бирликда). *Онангизни кўринг: устухон, бир ҳовуч устухон.* Шуҳрат, Умр пиғоналари.

2 Гўштли, пиширилган суяк. *Махсум.. пешинда ейилган гўштдан қолган устухонни тозалай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

Устухон бўлмоқ Ниҳоятда озиб кетмоқ, қоқ суяк бўлиб қолмоқ. *Озиб, тўзиб, биргина устухон бўлиб қолган жафокаш қиз бидъат овоқтасидан чиқарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Устухони йўқ** *айн.* **суяги йўқ** *қ.* **суяк**. *Очиғи, Адашев қариндошчилик, маишатбозликка устухони йўқ.. одам экан, қурғур.* А. Муҳиддин, Характеристика. **Устухони қолган** *ёки* **эти (бориб) устухонига ёпишган** Ниҳоятда озиб кетган, қуруқ суяк. *Кечқурунлари ухлаш учун ечинаётганда, у озиб-тўзиб, устухони қолган баданига қарамасликка ҳаракат қиларди.* Газетадан. *Бир неча кун ичида Нодиржоннинг эти устухонига ёпишди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

УСТҚУРМА Тарихан шаклланган ижтимоий муносабатлар ва сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, фалсафий қарашлар ва уларга мос келувчи ва жамиятнинг иқтисодий базиси томонидан бошқариладиган, ўз навбатида, базисга таъсир ўтказувчи муассасалар мажмуи.

УСУЛ [*а.* اصول – асосий қоидалар, қонунлар; қабул қилинган тартиб] **1** Бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли; ҳаракат тарзи, хили, тартиби; йўл. *Қоғоз тайёрлаш усули. Масала ечиш усули. Квадрат уялаб экиш усули. Сунъий нафас олдириш усули.* ▬ *Кишиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш хурофотга зарба беришнинг энг қулай усулидир.* Газетадан. *Ғўза суғоришнинг янги-янги усуллари қўлланадиган бўлиб, Жамоловнинг мулоҳазалари эскириб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Бирор иш, машғулот кабиларга хос бўлган, унда қўлланувчи асосий хатти-ҳаракат, йўл. *Фарғонача кураш усуллари.* ▬ *Оғир вазнлилар беллашувида Республикамиз вакили чиройли усул қўллаб, соф ғалабани қўлга киритди.* Газетадан.

3 *айн.* **услуб 1.** *Проза усули.*

4 *мус.* Куйнинг ижро этилиш суръати ҳамда бу суръатни бошқариб (тезлатиб ёки секинлатиб) туриш учун бериладиган мусиқий имо-ишоралар. *Усуллар рақснинг ритмларидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Отаси танбур ёки торда машқ қилаётганида, унга доира билан жўр бўлиб, усул бериб турадиган бўлди.* А. Мадраҳимов, Моҳир жангчи.

5 Ноз-карашма, ишва; шўх қилиқ, шўхлик. *Усул қилмоқ.*

Гоҳ худою расул, гоҳ ғамзаю усул Фақат тоат-ибодат билан яшамай, дунё лаззатидан ҳам баҳраманд бўлиш керак, маъносидаги эски ибора. *-Ҳунарингиз гоҳ худою расул, гоҳ ғамзаю усул экан-да, генерал, — деди Мардонбек.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

УСУЛЧИ 1 *мус.* Куй суръатини бошқариб, унга усул бериб турадиган созанда. *Усулларнинг мураккаб турларини ўзлаштирган усулчилар жуда кам бўлади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *шв.* **раққоса.**

УТИЛЬ [*фр.* utile < *лот.* utilis — фойдали] *с.т.* Ишдан чиққан, лекин иккиламчи хомашё сифатида ишлатса бўладиган эски-туски нарсалар, чиқиндилар (темир-терсак, латта, қоғоз, суяк, шиша, пойабзал ва ш.к.). *Утиль тўпламоқ.* ▬ *Утилдан олинган китоблар эди, шундай китобларки, ажойиботлар.* Т. Тўла. *Ана ундан кейин утиль идорасига ишга кириб, битта эшак араванинг эгаси бўлиб.. шиша йиғадиган бўлди.* С. Аҳмад, Сайланма.

УТМОҚ *шв.* Устидан қайноқ сув қуйиб ёки ўтга тутиб, жунини, тукини тозаламоқ. *Каллани утмоқ. Товуқни утмоқ.*

УТОПИЗМ [«утопия» с. дан] Амалга ошмайдиган назария ва қарашлар; утопияга мойиллик, хаёлпарастлик, хомхаёллик.

УТОПИК Амалга ошмайдиган, реал эмас, хаёлий, ғайриилмий.

Утопик социализм *флс.* Жамиятни мол-мулкнинг умумийлиги, барча кишиларнинг тенглиги, меҳнатнинг мажбурийлиги, шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларнинг йўқ бўлиши негизида идеал тарзда қайта қуриш ҳақидаги таълимот (инглиз ёзувчиси Томас Морнинг «Утопия» асаридан келиб чиққан).

УТОПИСТ 1 Утопик социализм тарафдори.

2 Амалга ошмайдиган, нореал нарсаларни орзу қилувчи, хаёлпараст, хомхаёл одам.

УТОПИЯ [*юн.* utopos < мавжуд бўлмаган жой, мамлакат < u — йўқ, мавжуд эмас + topos — жой, макон *ёки* eutopos — гўзал, ажойиб мамлакат < eu — яхши, соз + topos — жой, макон] **1** *флс.* Илмий асосга эга бўлмаган идеал ижтимоий тузум тасвири (Т. Морнинг айни шундай жамият тасвирланган «Утопия» асари номидан).

2 Илмий фантастика жанри; ижтимоий қайта қуришларнинг нореал, хаёлий режалари тасвирланган барча асарларнинг белгиси.

3 Амалга ошмайдиган орзу, хомхаёл.

УТОРИД [*а.* عطارد] *айн.* **аторид**.

УФ *унд.с.* Бирор нарсадан шикоят, ранжиш, бўғилиш каби туйғуларни ифодалайди. *Уф, ҳаво жудаям дим! Уф, саримсоқ иси келяпти! Уф, ҳамма ёқни тутун босиб кетди!* ▬ *-Уф! Сувсадим, — деди Фотима елпиғичини силкитар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хотин паранжиси билан айвоннинг олдига ўтириб олгач, уф, деб чайқалди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йигит ичкари кирди; қўлидаги портфелини диванга улоқтирди; уф тортиб, пешонасига урди.* А. Қаҳҳор, Қайғулар.

УФЛАМОҚ Уф демоқ, уф тортмоқ. [*Отабек*] *Бу қарашида бутун ўтган кунларини яна бир қайта хотирлагандек бўлди ва.. уфлаб юборди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..совуқдан этикчаларини бир-бирига уриб ишқайди, қўлларига уфлайди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

УФОЛОГ Уфология мутахассиси, уфология билан шуғулланувчи.

УФОЛОГИЯ [*ингл.* ufology < UFO (unknown flying object) — НУЖ (номаълум учар жисм) + logos — сўз, таълимот] Номаълум учар жисмлар ва улар билан тахминан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар ҳақидаги гувоҳларнинг хабар ва маълумотларини тўплаш, гуруҳлаштириш ва талқин қилиш, уларнинг тўғри-нотўғрилигини аниқлаш билан шуғулланувчи соҳа. *Астрология, уфология ва шу каби соҳаларга оид билимлар пинҳоний билим тури дейилади.* Газетадан.

УФОР [*а.* عفار — чанг; тўзон; ҳид] **1** *айн.* **мушк**, **ифор**. *Ўйлаб қолар тонгда ғунчалар, Кийиб баргикарам нимчалар. Пинҳон-пинҳон кўзин очарлар, Борлиқ узра уфор сочарлар.* Э. Охунова.

2 *мус.* Қадимги доира, шунингдек, ноғора усулларидан бири.

3 Халқ ва мумтоз мусиқада шу усул жўрлигида ижро этиладиган чолғу ва ашула йўллари. *Рубобчи уфор ҳавосига чала бошлади, кокилини тараб ўтирган бола ўйинга тушди.* С. Айний, Дохунда. *Чалинади най,*

чилдирма, дўмбира, Жўшар ғижжак, қайнар уфор, дилхирож. М. Шайхзода.

УФУРМОҚ Ҳаво оқими билан атрофга таратмоқ, димоққа урмоқ. *Анҳор томондан енгил шабада ялпиз ҳидини уфуриб эсарди.* Ў. Умарбеков, Ялпиз ҳиди. *Гўзал Фарғонадан эсган шабада Мирзачўл кўксига уфурар ҳаёт.* М. Икром. *Чор атрофда гуллар чаманзор, Хушбўй атрин уфурар баҳор.* Ҳ. Ҳасанова.

УФҚ [*а.* افق – ер ва осмон туташган чегара; горизонт; истиқбол] Очиқ жойда осмон билан ернинг ёки сув сатҳининг кўз илғаган узоқликда ўзаро туташгандай, ер билан осмон қўшилгандай бўлиб кўринган чизиғи, қисми; горизонт. *Ғарбий уфқда самолётлар пайдо бўлди. Қуёш уфққа яширинди.* ▬ *Уфқни ўз гавдаси билан тўсган паст-баланд тоғлар қоп-қорайиб.. кўринади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кеч кириб, қуёш ғарбга ёнбошлагач, уфқ қип-қизил аланга ичида қолгандай бўлди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Энди-энди уфқ ёришмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УХЛАМОҚ 1 Уйқуга кетмоқ, ухлоқ ҳолатда бўлмоқ. *Бола.. гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга югурар, кечалари эса ҳолдан тойиб, ҳориб, донг қотиб ухлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 *кўчма* Тинч ҳолатда бўлмоқ. *Оғир сукунатга чўмиб Ухларди қишлоқ.* Ғайратий. *Пашша учмас, ухлар унгурлар. Аллалайди сойнинг шовқини!* Т. Тўла.

Етти ухлаб, туш(и)да (ҳам) кўрмаган *ёки* **етти ухлаб, туш(и)га (ҳам) кирмаган** *қ.* **туш.**

УХЛОҚ Уйқу ҳолатида, ухлаган.

УХУ *тақл. с.* Йўтал товушини ифодалайди. *Тойни миниб шаҳарга туш, икки шиша коньяк ол. Тез. Уху-уху.. йўтал қурсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

УЧ I **1** Нарсаларнинг ингичкалашган, ўткир томони. *Найза учи. Ханжар учи. Қозиқнинг учи. Игнанинг учи. Тикан заҳри – учида, душман заҳри – ичида.* Мақол. ▬ *Жувон Сидиқжондан пичоқ сўраб олиб, иккита бодринг арчиди, бирини ўзи тишлаб, иккинчисини пичоқ учида Сидиқжонга узатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мирзакаримбой соқолининг учини бармоқлари билан чимтиб, кулиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ёғоч, ип, сим ва б. энсиз, узун нарсаларнинг томонларидан бири, бир томон охири, боши. *Таёқнинг учи. Арқоннинг учи.* ▬ *Яна бир йигит дарвозага тирмашиб чиқаётир, пастда иккитаси бир-бирининг елкасига чиқиб, узун алвоннинг учини унга узатишга уринмоқда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Аравадагилар дарров тушиб, кўчанинг икки учига қараб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Нарсаларнинг ўзи бириккан, ўрнашган жойдан ташқари йўналган томони, охири. *Бармоқнинг учи. Чойнак жўмрагининг учи.* ▬ *Акрамжонни бир нав қучоқлаган бўлдим, жувонга эса қўлимнинг учини бердим.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Унинг юзида, шундай бурнининг учида холи бор.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *..вафот этган холасини эслади ва кўзидан тирқираб чиққан ёшини енг учи билан артди.* И. Раҳим, Ихлос.

4 Чорбурчак буюмларнинг томонлари туташган жойи, бурчаги. *Фанернинг тўрт учидан ушлаб кўтармоқ.* ▬ *Полвон елкасига ташлаб чиққан қийиғини олди-да, икки учидан ушлаб, бир-икки айлантирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 *мат.* Чизиқларнинг ёки сиртларнинг ўзаро туташиб, кесишиб, бурчак ҳосил қилган нуқтаси.

6 Нарсаларнинг юқори қисми, тепаси, боши. *Миноранинг учи. Дарахтнинг учи. Симёғочнинг учи.* ▬ *Тераклар учида ўйнар қизил нур.* Ғайратий. *Бир куни ўрикнинг учига чиқиб.. атрофни томоша қилдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Деворга ташқаридан қўйилган кенг нарвонларнинг учлари хиёл чиқиб турарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

7 *кўчма* Бирор нарсанинг бошланиш қисми, боши. *Сир(нинг) учини сўз очар.* Мақол. ▬ *У* [*Элмурод*] *ҳали бу муваффақиятнинг фақат учигина эканини ҳеч бир унутмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нури бу воқеанинг учини эшитган ҳамон безгакдай қалтираб кетди..* Ойбек, Танланган асарлар.

Оёқ учида (*ёки* **учи билан**) **кўрсатмоқ** Назар-писанд қилмаслик, менсимаслик. *Аммо муомаласи дағал.. одамларни оёқ учида кўрсатади.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. [*Нури*] *Камбағал, ҳатто ўртаҳол оила қизларини оёқ учи билан кўрсатар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тил учида** Истар-истамас, шунчаки йўли учун. *-Келинг, – деди бошқарувчи тил учида.* «Муштум». *-Тил учида айтган экансиз-да бу гапни. -Нега тил учида бўлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқ-

лари. **Уч бермоқ** 1) кўриниш бермоқ, пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ. *Кунлар ўтди. Опанинг образи уч бера бошлади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Кун энди уч бериб, қояларда жилоланар, тиниқ осмон шишадай ялтиллаб, бу манзарага яна бир кўрк бағишламоқда эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон; 2) белги бермоқ, очилмоқ, ошкор бўлмоқ. *Нарироққа бориб, бу жумбоқ тасодифан уч берди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. **Учини чиқармоқ** Бошланғич, белги тарзидаги маълумот бермоқ; шипшимоқ. *Орамизда қоладиган гап бор, азизим! Фақат сизгагина учини чиқаришим мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жўрттага очиқ айтмадим. Лекин хайрлашаётиб, учини чиқаргандим, шунга ҳам бир сапчиб тушди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. **Уччига чиққан** Энг ашаддий, ўтакетган. *Айёрликда уччига чиққанман, деб мақтансам ёлғон эмас..* Ойбек, Улуғ йўл. *Ўзи бориб турган иғвогар, уччига чиққан материалчи, писмиқ одам.* «Муштум». **Хамир учидан патир** *қ.* **патир**. **Қалам учи** Ёзилган, ёзиб эълон қилинган нарса учун бериладиган ҳақ. *Манави осонлиқни қаранг, тақсир. Қалам учисига бўзни узатдим, олмайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қўл учида** 1) астойдил эмас, истар-истамас. *Бу йигитни ҳеч кўрмаган эди, малол олди шекилли, қўл учида сўрашиб, қизга савол назари билан қаради.* «Муштум»; 2) ночор ҳолда, енгил-елпи. *Энди сен қўл учида қиладиган тирикчилигинг учун кеча-кундуз капиталистларга ишлашинг керак.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

УЧ II *снқ. сон* 1 3 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Уч карра уч тўққиз. Уч йил бурун. Уч ойдан кейин. Бир бўлган, икки бўлмай қолмас, Икки бўлган, уч бўлмай қолмас.* Мақол. ▬ *Эртасига соат бирда уч партизанни кўмиш маросими бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Собиржон овчилар инъом қилган икки қуён ва уч ўрдакдан бир қуён ва икки ўрдакни Асқар отага берди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Беш балли баҳо тизимида ўзлаштириш «қониқарли», «ўртача» деган маънодаги баҳо. *Унинг баҳоси — уч. Бу иншо учун уч қўйса бўлади.*

3 *этн. айн.* **кирювди.** *Чолнинг ёстиғи тагидан топилган пул уни кўмиб келишгагина етди. Ҳали бу ёқда учи, еттиси, йигирмаси, фотиҳахонлиги.. ва ҳоказолар бор.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

УЧ III *дин. этн.* Учига пахта ўраб, ёғлаб, марҳум арвоҳига атаб пайшанба, жума оқшомлари ёқиб қўйиладиган чўп. *Уч ўрамоқ. Уч ёқмоқ.*

УЧА *шв.* Елка, елканинг орқа томони. *Ҳар бир полвоннинг ўз ўнги бўлади. Отасининг ўнги — яғрини, боласининг ўнги — учаси.* Т. Мурод, Қўшиқ.

УЧАК *шв. айн.* **том** I. *Кеча кўҳна арк олдидан ўтгандим, кўзим дўконингга тушди: девори қийшайган.. учаги босай деб турибди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

УЧАЛАТОЙ Ғилдирак тўғини ясаш учун ишлатиладиган, ниҳоятда қаттиқ ёғочли қайрағоч тури.

УЧАР 1 Учмоқ фл. сфдш. *Учар балиқлар.* ▬ *Учар қушдан улги олган жонивор, Минганнинг кўнглида қолмайди ғубор.* «Ёдгор».

2 *кўчма* Учгандай тез юрадиган, жуда тез чопадиган; чопқир. *Бўтабой ака бу кунларда ўзини ҳали от минишни дурустроқ билмай туриб, жуда учар отда улоққа кирган кишидай сеза бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *кўчма* Ҳийла-найранг билан ҳар нарсани ундира оладиган, ҳар нарсага эриша оладиган; эпчил. *Тўлқинжон, ким айтади сени олғир, учар йигит деб. Мана ярим йилча бўлиб қолибди-ку, битта қишлоқи қизнинг муҳаббатини қозонолмайсан.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Жонкуяр, ҳалол кишилар ўғрига чиқарилди. Ўндан тўққизини ураётган айрим учарларнинг боши силанди.* В. Маҳкамов, Айбсиз айбдорлар.

Учар юлдуз *с. т.* Метеор.

УЧАСТКА [*р.* участок] **1** Бирор мақсадда ажратилган ер бўлаги, майдон. *Бундан чиқадиган сув билан.. мактаб участкасинигина эмас, унга туташган томорқа ерларни ҳам суғориш мумкин.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Элмурод полкдан ўз батальонига участка олиб, мудофаага ўтганда, тонг ёришиб қолган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Ер майдони, даланинг бирор белгиси билан ўзига хосликка, алоҳидаликка эга бўлган бўлаги. *Кўчатхонада бир участка тайёрланиб, унга мажнун арча кўчатлари ўтқазилди.* Газетадан.

3 Маълум бир хўжаликнинг ҳудудий жиҳатдан ажратилган, алоҳида бўлими. *Ўр-*

монжон бугун, негадир.. ҳамма участкага борди, кечга яқин.. уйига қайтди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Бирор нуқтаи назардан чегараланишда ҳудудий ички бўлинма, бўлинмалар; ҳудудлар. *Халқ судларининг ҳозирги вақтда амалда бўлган участка системасини тугатиш ва ягона туман (шаҳар) халқ судларини тузиш кўзда тутилади.* Газетадан. *Ҳозир, сен келмасдан бир оз бурун, бир одамни Қумариққа юбордим. Участка пристави ҳам ўша ерда.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

5 Маълум бир иш-фаолият олиб борилаётган, унга оид жой, объект. *Қурилиш участкасининг бошлиғи Гулбой Бўриевнинг ишончи комилки, йирик объект ҳам белгиланган муддатда аъло сифат билан топширилади.* «Ўзбекистон қурилиқлари». *Эркаклар билан тенг ҳуқуқли аёлларни бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида учратиш мумкин.* Газетадан.

6 *с.т.* Хусусий уй-жой қуриш учун расмий равишда ажратиб берилган ер, майдон ва унда барпо этилган ҳовли-жой. *Уларнинг участкаси ҳали битмаган, икки уйни хомсувоқ қилиб, кўчиб киришган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Участка олиш учун ариза берганимга икки йил бўлди, ҳалигача дарак йўқ.* «Муштум». *Бу орада ер тузувчи Худойназаров билан ўзингиз иккитадан тўртта участка қуриб олдингиз.* «Муштум».

УЧАСТКОВОЙ [*р.* участковый] *с.т.* Аҳоли яшайдиган ҳудуднинг муайян бир қисмида тартиб-қоида сақланишини назорат қилиб турувчи милиция офицери (*қ.* **участка 4**).

УЧБУРЧАК 1 Учта бурчакли, туморча шаклидаги. *Учбурчак ҳовли.* ▬ *Тўққиз самолёт учга бўлиниб, учбурчак шаклида текис оқиб келарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Нарироқда уч муллабачча бир бўйра устида учбурчак бўлиб ўтириб, мушкул бир масалани баҳслашади.* Ойбек, Навоий.

2 *с.т. эск.* Муассаса, корхоналарда уч раҳбар шахс (директор ёки раис, партком котиби ёки вакили ва касабақўм раиси). *Бу масалани учбурчак ҳал этади.*

3 *мат.* Бир тўғри чизиқда ётмаган учта нуқта ва учлари шу нуқталарда бўлган учта кесмадан ясалган геометрик шакл. *Тўғри бурчакли учбурчак. Тенг бурчакли учбурчак.* ▬ *Олиб кирилган чой ҳам совиб қолар, аллақандай ўлчовлар-учбурчаклар хаёлини тортиб кетарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

УЧЁТ [*р.* учесть – «ҳисоблаб чиқмоқ, рўйхатга олмоқ, қайд қилмоқ» фл. дан ясалган от] **1** Бирор ташкилот ёки муассасадаги кишиларни ҳисобга олиш, рўйхатга киритиш орқали қайд этиш. *Учёт варақаси. Учётга ўтиш (ёзилиш). Учётга олиш. Учётдан чиқиш.*

2 Ҳисоблаш, рўйхатга олиш йўли билан нарсаларнинг борлигини аниқлаш; ҳисоб-китоб. *Бухгалтер учёти. Молларни учёт қилиш.*

УЧЁТЧИ *қ.* **ҳисобчи**.

УЧИРИҚ *айн.* **учурик**.

УЧИРМА 1 Эндигина инидан чиқиб уча бошлаган (қуш боласи ҳақида). *Қўнғирлар май ойида тухум очиб, жўжаларини июндаёқ учирма қиладилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *кўчма айн.* **учурик.** *Обиджон.. кинояли ва учирма гаплар қилишдан нарига ўтмайди.* Газетадан. *..раиснинг учирма гаплари ғашига тегар, асабини бузар эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

УЧЛАМОҚ Бир томонини йўниб, ингичка ва ўткир қилмоқ. *Ёғочни учламоқ. Қаламни учламоқ.*

УЧЛАМЧИ 1 Айтилаётган фикрнинг тартибини билдиради; учинчидан. [*Нор:*] *Учламчи, улар биздан бойроқ кишилардан.. уларга бизнинг ҳеч бир важ билан алоқамиз йўқ.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Баъзи терминлар таркибида «бирор нарсанинг учинчи даври, даражаси» каби маъноларни ифодалаш учун ишлатилади; учинчи. *Ер тарихининг учламчи даври.*

УЧЛИ 1 Бир томони борган сари ингичкалашиб тугалланадиган. *Навоий.. салласиз, учли тақя кийган, боши бир оз эгик.* Ойбек, Навоий. *Турсуной нимранггина узунчоқ юзи, учли ияги билан онасига ўхшаб кетарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Учи бор; учи муайян шаклга эга. *Узун ёғоч бошига боғланган қайирма учли ўткир темир ойдинда ялтирарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

УЧЛИК I Бирор нарсанинг учига кийгизиб, ўрнаштириб қўйиладиган учли, ўткир қисм. *Камалак ўқининг учлиги. Омоч тишининг учлиги. Сумбанинг учлиги.*

УЧЛИК II **1** Ваколатли уч шахсдан ёки уч томоннинг вакилларидан иборат мувақ-

қат гуруҳ, комиссия. *..жанговар учлик группасини уюштиришни Мадёровга буюрган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бу гаплар учлик комиссия аъзоси Низомиддинов йиққан материаллар.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Уч холли, уч рақамли нарса (карта, домино кабиларда). *Ғиштиннинг учлиги. Доминонинг учлиги.*

УЧМА-УЧ *рвш.* **1** Учлари ўзаро туташтирилган ҳолда. *Қатор-қатор ўрмаловчи кранлар йўғонлиги ўн одамнинг қучоғига зўрға сиғадиган қувурларни бир-бирига учма-уч қўйиб ётқизмоқдалар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *кўчма* Даромади харажатини аранг қоплайдиган ҳолда; аранг, зўрға. *Балиқ сотиб топган пули рўзғорига керакли нарсаларга учма-уч етар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Оладиган ҳосилим қарз билан учма-уч келавергандан кейин пахта экишни ташлаб юборган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Баб-баробар, тенг ҳолда. *-Бухгалтернинг дебет-кредити учма-уч бўлиб туриши керак,— деди Одил.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

УЧМОХ 1 *дин.* Жаннат, биҳишт.

2 *кўчма* Киши бахтли ҳаёт кечирадиган гўзал ва фаровон жой; жаннат. *Умринг ёруғ, Ватанинг — учмох, Мендан сўра, Мен ёниб ўтдим.* Миртемир. *Одамлар ундан: «Нима иш билан машғулсиз?» деб сўрасалар, аксар вақт: «Гуноҳга ботган Ҳиротда бир учмох қуряпмиз!» деган жавобни қайтаришни севар эди.* Ойбек, Навоий.

УЧМОҚ 1 Қанот воситасида ҳавода ҳаракатланмоқ, қанот қоқиб, бирор томонга йўналмоқ; парвоз қилмоқ. *Қуш қаноти билан учиб, қуйруғи билан қўнар.* Мақол. ▬ *Баҳор ҳидидан бесаранжом бўлган қарғалар қағиллаб.. далалар устида учарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Махсус механизмлар, аппаратлар ёрдамида ҳавода бир томонга йўналмоқ; парвоз қилмоқ. *Баландда, юлдузли кўкда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Асад модели эса, Тик ва тез учар эди.* Т. Тўла.

3 Елмоқ, эсмоқ (шамол ҳақида). *Меъморнинг диққатини кенг ва яш-яшил дала, ғирғир учаётган шабада, адирлардаги қип-қизил гилам лолалар тортса ҳам..* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Шамол, зарб ёки бошқа нарса таъсирида ҳавода бирор йўналишда ҳаракатланмоқ. *Ҳавода момиқ оқ толалар арғамчи бўлиб учиб юрарди.* Газетадан. *Тепада руҳни суғуриб олаётгандек хунук инграб учган снарядлар атрофда ёрилмоқда.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 *кўчма* Ҳавода кезмоқ, парвоз қилмоқ (мавҳум нарсалар ҳақида). *Куй узоқдан, бойникидан учар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёдимдадир аччиқ дардларим каби Фазоларда учар хаёлим.* Р. Парфи. *Қўшиқ учар эди кўкда беармон.* А. Орипов, Юртим шамоли.

6 *кўчма* Жуда катта тезликда ҳаракатланмоқ. *Тепаликка учиб чиқаётган отнинг туёғи ердан бош кўтариб, бугун-эрта очилай деб турган лола ғунчасини эзиб, янчиб ўтди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Машина шиддат билан қалтис тоғ йўлидан учиб кетди.* Газетадан. *..поезд чўлдан кўм-кўк водийга бирдан учиб кираркан.. фарғоналик аскарнинг кўзларидан ихтиёрсиз равишда қайноқ ёш томчилаган эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

7 Қор, муз устида сирпанмоқ, тойғаноқ отмоқ. *Чанада учмоқ.* ▬ *Момиқ қор кўрпасига бурканган Чимён тоғлари бағрида ёшлар чанғи учишмоқда.* Газетадан.

8 Мавжуд еридан узилиб отилиб кетмоқ. *Тоғдан учган катта-катта тошлар. Бола мотоциклдан учиб кетди.* ▬ *Соқолли солдат от тагида қолди, униси отдан учиб, юмаланиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

9 Синиб узилмоқ, синмоқ. *..товоқнинг жиндай жойи учган экан.* «Муштум». *Шишаси ярмидан учган кичкина лампани тутатиб, ёлғиз ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..синган, чети учган, чегали пиёла, чойнаклар.* Ойбек, Болалик.

10 Асаб ёки бошқа таъсир сабабли пирпирамоқ, титрамоқ (лаб, киприк каби аъзолар ҳақида). *Онаси тебраниб қўйди. Қовоқлари пир-пир учди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бу боланинг бир қадар ўзини мустаҳкам тутиши Толиб акага ёқмади, лаби асабий учди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *..оғзининг икки чеккасида зулукдай осилиб турган йўғон мўйловлари бир-икки учди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

11 *кўчма* Берилмоқ, қизиқмоқ, асири бўлмоқ (асоссиз, номақбул равишда). *Ши-*

рин гапга учма, мақтаганни қучма. Мақол. ▬ [*Рашида*] *Курсдоши Темурнинг енгилтак гапларига учди-ю, Рўзиматни бутунлай унутди.* Тўлқин, Оғир эслаш. [*Элдор:*] *Дарвоқе, Райҳоннинг нимасига уча қолдим?* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Ақлли одамлар мақтовли ва баландпарвоз сўзларга учмайдилар..* Н. Сафаров, Оловли излар.

12 Кайф таъсирида эс-ҳушини йўқотмоқ, ўзидан кетмоқ. *Афанди бўза ичиб, учиб қолибди.* «Муштум». *Маъмуржон кўчадан ичиб келган эканми, юз грамм шампанни отди-ю, учиб қолишига сал қолди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

13 Айрим сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган нарсанинг йўқ бўлиши (йўқолиши), кетиши маъносини билдиради. *Баракаси учмоқ. Ҳуши бошидан учмоқ. Кайфи учмоқ.*

Елга (*ёки* **ҳавога, осмонга**) **учмоқ** *қ.* **ел.** *Эҳ, аттанг, орзулар учди ҳавога, Англамай йўлиқдим бу бедавога.* Я. Қурбон, Меҳрим ва қаҳрим. **Кўзим учиб тургани йўқ** *ёки* **кўзим учиб турувди** (алоҳида, киноя оҳанги билан). Бирор шахс ёки нарсанинг келишини, бўлишини ёқтирмаслик, истамасликни билдиради. *Келибдилар-да.. сизни кўрамиз деб кўзимиз учиб турувди!* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УЧОВОРА Уч киши бирга, уч кишига бир. *Икковора, учовора шивир-шивир, одамлар шивирлаша бердилар.* «Равшан». *Палов сузилиб, учовора бир товоқ бўлди.* Т. Мурод, Кўшиқ.

УЧОҚ I *эск.* Самолёт, вертолёт каби учиш аппарати. *«Юлдузча» манзилига озиқ-овқатлар ва анжомлар учоқ [вертолёт] ёрдамида етказиб берилди.* Газетадан. *Учоқлар ҳам учолмайдиган даражада юк ортиб, совуқ ўлкаларга парвоз қилмоқда.* Газетадан.

УЧОҚ II *шв. этн.* Кинна, суқ. *У исириқ тутатиб, қўлим енгил, кимгаки учоқ кирса, ўзим силаб қўйганман.. деди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

УЧРАМОҚ 1 Қаршисидан чиқмоқ, дуч келмоқ. *Йўлда икки отлиқ учради. Бу жойда бирорта таниш учрамади.* ▬ *Сел оқими йўлида учраган ҳамма нарсани остин-устун қилиб, шаҳарга бостириб келарди.* Газетадан.

2 Ҳузурида, суҳбатида бўлмоқ; учрашмоқ. *Отасига учраб, ўзимни танитдим, қимтиниб, тортиниб, арзимни айтдим.* «Муштум». *Ана шундан кейин Ғуломжон шаҳарга тушиб, тўғри ҳокимга учради. У ҳам мингбошидай юмшоқ муомала қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Қисматига тушмоқ, насиб бўлмоқ, йўлиқмоқ. *Қўявер, хотин, шу қизга ҳам менга ўхшаган кўса куёв учрасин.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳеч қаерда бундай улгуржи ғанимат учрамади.* А. Қаҳҳор, Башорат.

4 Мавжуд бўлмоқ, бўлмоқ. *Бу касаллик кўпинча ёз ойларида тарқалади ва 2—8 ойлик қўзи, улоқларда кўпроқ учрайди.* «Фан ва турмуш». *Менинг бошқаларда учрамайдиган яна битта фазилатим бор.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

5 Дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ. *Тавба денг, болам, бўйдоқсиз, яна шундай таннозлардан бирига учраб..* «Гулдаста». *Умрим паккасига етай деганда, худонинг қаҳрига учрадим, қизим.* К. Яшин, Ҳамза. *Мариянинг бахтига қарши, амаки сил касаллигига учраб, ишдан қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УЧРАШМОҚ 1 Учрамоқ фл. бирг. н. *Улар дарров врачга учрашсин.* ▬ *Бўронбек билан Комил Чирчиқдан ўтаётганда, қизиллар тўсиғига учрашибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Эшикни Инобат очди. Аламли кўзлар бир-бирлари билан учрашди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2 Бирор мақсад билан ҳузурида бўлмоқ; учрамоқ (*қ.* **учрамоқ 2**). *Йўлчи эртасига Қоратойга учрашгани Шоқосимни юбормай, ўзи кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Маъқул, агар бу кун домлага учрашсам, жавобини эртага оламан, деярми?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Бирор мақсад билан ўзаро мулоқот қилмоқ, кўришмоқ. *Қаллиқлар одамларнинг кўзидан йироқда — яширинча учрашиб юрар эдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Аҳмедов Саодатхоннинг районо мудири Воҳидов билан учрашмоқчи бўлганини эшитиб, сал ўзгариб қолди.* С. Зуннунова, Янги директор.

УЧРАШУВ 1 Учрашмоқ фл. ҳар. н. *Унинг мақсади Йўлчи билан учрашув, албатта.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меъмор Бухорий билан устод Қавом учрашуви ғайриодатий бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Юсуфжон қизиқ Мадаминбек билан кўп «ширин учрашув ва суҳбатлар»да бўлган.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Ким(кимлар) биландир суҳбат ўтказиш мақсадида тайёрланган (уюштирилган)

махсус йиғин. *Фармон эълон қилингандан бир неча кун ўтгач, ҳарбий қисм жангчиларининг Ж. Усмонов билан учрашуви бўлиб ўтди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Янги қабул қилинганлар билан юқори курс студентларининг учрашув кечаси уюштирилди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Беллашув, беллашув ўйини. *Қишлоқ спортчилари спартакиадасида футбол учрашувлари ҳамиша кескин курашлар остида ўтади.* Газетадан.

УЧУВЧИ 1 Учмоқ фл. сфдш. *Бу саҳроларнинг қумлари сирғалувчи ва учувчи бўлиб.. у барча жонли мавжудотни кўмиб ташлашга қодирдир.* Газетадан.

2 Учиш аппаратларини бошқарувчи, ҳайдовчи мутахассис. *Қарасам, эшик олдида Чимёнга учган учувчи турибди.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

УЧУВЧИЛИК Учувчи касби, иши. *Учқун бўлса учувчиликка ўқиб.. биз кўрмаган қанчадан-қанча элларни кўрар.* Ҳ. Ғулом, Машъал. [*Пўлатжон*] *Учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиш.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УЧУН *кўм.* Сабаб, мақсад, аталганлик каби маъноларни билдиради, шундай маъноли муносабатларни кўрсатади. *Бу ерга Мадали аканинг жиғига тегиш, рашкини келтириш учун кирганлигимни эслаб, мулзам бўлдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Дунёда тўғри яшаб, юртга хизмат қилиб ўтишдан ортиқ бахт борми инсон боласи учун*?! Т. Ашуров, Оқ от. *Ота-онаси саводли кишилар бўлганлиги учун ҳам ёшлигидан савод чиқарди.* «Фан ва турмуш».

УЧУНИҚ Шамоллаш натижасида юз берадиган енгил бетоблик; бир қанча касалликларнинг бошланғич белгиси.

УЧУНМОҚ *этн.* Ёмон кучлар таъсирида, қўрқиш, чўчиш сабабли тоби қочмоқ, оғримоқ.

УЧУРИҚ 1 Шама тарзидаги сўз, гап, ибора; қочириқ. *Хоннинг бош айғоқчиси Али маҳрамни биладиганлар олакўз деҳқонга учуриқ ташлаб, масхара қилиб кулдилар.* С. Сиёев, Аваз. *-Юрагингдаги хуфёна ниятларингдан анчадан буён хабардорман, — учуриқ қилди у.* Ш. Бўтаев. Қўрғонланган ой. *Чолкампирнинг учуриғига стол атрофидагилар қийқириб кулишди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

2 *шв.* Бир учи, кичик бир қисми. *Аммо бола тарбияси талаб қиладиган катта вазифанинг бир учуриғи холос бу.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

УЧУҚ I Шамоллаш, учуниш ва ш.к. сабаблар туфайли лабга тошадиган тошма. *Лабларига тошган учуқ ҳали қайтмаган бўлса-да, иситмаси пасайган эди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

Лабига учуқ тошмоқ (*ёки* **чиқмоқ**) *қ.* **тошмоқ**. *Унда кўнгли қинғирларнинг лабига учуқ тошириб юборадиган қип-қизил гувоҳнома бор.* Газетадан. *Доим шундай қиласиз, янгилик деса, лабингизга учуқ чиқаверади.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

УЧУҚ II Четининг кичик бир қисми синган, чети учган; синиқ. *Лаби учуқ лаган. Лаби учуқ пиёла.*

УЧҚУН 1 Ёниб ёки лаққа чўғ бўлиб турган моддадан отилиб, учиб чиқувчи зарра.. *Йилтираган чўғ ерга тушиб, ожиз учқунлар сачратиб сўнди.* М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат. *Тўхта хола тандирга ўт қўйганга ўхшайди, кўча томонга гоҳ-гоҳ учқун учиб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Нарсаларнинг бир-бирига тегиши, уринишидан ҳосил бўлувчи олов-зарра. *Тоҳир болтани.. гоҳ қулфга, гоҳ дарвоза занжирининг зулфинига урар, темирдан учқун сачрар.. эди.* П. Қодиров, Юлдузди тунлар. *Кўкрак чўнтагидан мўъжазгина ялтироқ қутичани олиб, бир жойини босган эди, «чирс» этиб учқун сачраб, қутичага ўрнатилган пилик аланга олди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Нарсаларнинг сачрайдиган, сочиладиган энг майда бўлаги, зарраси. *Темир учқуни.* ▬ *Совуқ шамол зўрайиб, қор учқунлари бурунга, кўзга, пешонага урила бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қалин, қора булут яна битта-битта совуқ учқун ташлаб, ҳамма ёқни қоплаб олган.* Ў. Ҳошимов, Икки сурат.

4 *кўчма* Сезги, ҳиссиёт, қобилият ва ш.к. белгиси. *Лекин кўнглида гоҳо йилт этган учқун чақнайди. Бу — умид, рўшнолик, нажот учқуни.* С. Сиёев, Аваз. *..бу хотинда, ширинсўзлиги ва ташқи кўринишини ҳисобга олмаганда, сатангликдан учқун ҳам йўқ эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

УЧҚУНЛАМОҚ 1 Учқун сачратмоқ, учқунлар сочмоқ. *Электр сими учқунлади.*

2 Зарра (учқун) тарзида ҳаракатланмоқ (*қ.* **учқун 3**). *Қор жуда эринчоқлик билан майдалаб, сийрак учқунлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Учқун чиқармоқ, учқун (зарра) сифатида намоён бўлмоқ (*қ.* **учқун 4**). *Агар бу умид учқунламаса, ҳаёт уқубатга айланиб, кўнгиллар вайрон бўларди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Шу топда Тоҳирнинг кўнглида ҳам умид учқунлагандай бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

УЧҚУР 1 Тез уча оладиган, тезучар. *Вақт бамисоли бир учқур қуш экан.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

2 *кўчма* Тез чопа оладиган; чопқир. *Қамчи еб ўрганмаган учқур бедов олдинга ўқдай отилиб, эгасини бало-қазодан олиб чиқиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *кўчма* Жуда тез (учиш каби) ҳаракатланувчи (мавҳум нарсалар ҳақида). *Учқур замон билан қалқиб, чайқалиб, Чарх уриб бораман гирдоблар аро.* Э. Воҳидов, Чароғбон. [*Ойбекнинг*] *Қақроқ дудоқларида айтилмаган сўз.. учқур хаёлида улкан китоб.. қолиб кетди.* Миртемир, Йўқлаш. *Йиллар учқур, ўтаверади, Хотиралар тобора оғир..* Х. Даврон.

УШАЛМОҚ Бўлак-бўлак бўлиб синмоқ, майда-майда бўлинмоқ. *Тун совуғи билан қотган лой оёқ остида, синиқ шиша парчаси каби, қирс-қирс ушалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Орзуси (*ёки* **нияти, умиди** *ва ш.к.*) **ушалмоқ** Орзуси, умиди амалга ошмоқ, рўёбга чиқмоқ. *Ука, ер олганимдан кейин ҳам ўша мўлжалларим юзага чиқмади, орзуларим ушалмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кунлар келар, толеингиз ёр — Ушалади умид ва армон.* Ғайратий.

УШАТМОҚ 1 Бўлак-бўлак қилиб синдирмоқ, майда бўлакларга бўлмоқ, ажратмоқ, синдирмоқ. *Қудрат.. нонларни ушатди, чой қуйди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Отхонада дийдираб, кунжара ушатиб, қўйларга беради.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *..тиши билан нўхатдек қандни ушатиб, бир қултум чой ичди..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Урмоқ, уриб пачақламоқ. *-Уриб, жағини ушатмадингми? — Қодир гуваладек муштини ҳавода тўлғади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

3 *с.т. кам қўлл.* Йирик пулни шу қийматдаги майда пуллар билан айирбош қилмоқ, майдаламоқ. *Юз сўмликни ушатмоқ.*

Патир (*ёки* **нон**) **ушатмоқ** *этн.* Йигит ва қизни никоҳлаш ҳақида аҳдлашмоқ, келишмоқ, унаштирмоқ. *Орадан уч-тўрт кун ўтгач, нон ушатиб, фотиҳа ҳам қилинди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Розилик бериб. патир ушатасиз, бир ойга қолмай, қизингизни ўйнаб-кулиб узатасиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Рўзани ушатмоқ** Овқат еб қўйиб, рўзани бузмоқ. *Жаноби устоз! Рўзангизни ушатиб қўйдингизми?* «Латифалар». **Таҳорат ушатмоқ** *қ.* **таҳорат.**

УШБУ *кўрс. олм. кт.* Шу, мана шу; мазкур. *Ушбу ёзган мактубимни Бошдан-оёқ тоза кўр, Озроқ муҳаббатинг бўлса Тезроқ жавоб ёза кўр.* Ҳамза. *Ёвга қарши ғазаб-ла Чақнар эди кўзлари. Ҳамон менинг эсимда Унинг ушбу сўзлари.* З. Диёр.

УШЛАМОҚ 1 Қўл, панжа билан дахл қилмоқ, тутмоқ. *Пешонасини ушламоқ. Икки қўли билан бошини ушламоқ. Кўкрагини ушламоқ.* ▬ *..бу текин томошадан завқланиб, қоринларини ушлаб, қотиб-қотиб кулишарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бу киши шунақа, боғдан деворларни ушлаб чиқиб кетмаса, ҳисоб эмас..* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Набижон беморнинг томирини ушлаб, юзига қаради.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Қўл, панжа, бармоқ(лар) орасига олмоқ, шундай ҳолда тутмоқ. *-Оғирроқ бўлинг, шайх! — деди сўйил ушлаб турган йўғон бир йигит.* К. Яшин, Ҳамза. *Эшик олдига етганида, негадир ўзининг ҳам ўша ёққа кетаётганини сезиб, ҳаяжон ичида тутқични ушлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳар замонда бир қўлида тўрхалта, бир қўлида зонтик ушлаган қари-қартанглар, болалар ўтиб турибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ализамон унинг қўлидан ушлаб, тинчлантиргандек силаб қўйди.* А. Обиджон, Аканг қарағай, Гулмат.

3 Қўл билан тутиб олмоқ; тутмоқ. *Улар* [*қизлар*] *чимчиловчиларни қарғайдилар. Ушлаб олсалар, урадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қиз уни* [*товуқни*] *ушлаб олгани кўп уринди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Войдод, ҳой, қўшнилар.. ушланглар.. ҳой, Абдураҳмон, ушла уни!* С. Зуннунова, Олов.

4 Қўлга олмоқ, қўлга туширмоқ (мас., жиноятчини). *Бу ерга келиб, фақат айрим хавфли шахсларни кузатиб, уларни жиноят устида ушлаб, қамоққа ташлаш билан кифояланиб..* К. Яшин, Ҳамза. *Бир неча солдат келиб, маҳбусларни ушлади, ясовул ҳаммасининг қўлига кишан урди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Бирор ҳолатдан (кетиш, йўқ бўлиш ва ш.к. дан) сақламоқ; тутмоқ. *Уни то шу пайтгача икки нарса ушлаб турар эди: ..биродарининг уйига қуруқ қўл билан кириб боргиси келмасди. У шаҳид кетган бўлса, болалари зориқаётгандир, бир тишламдан бўлса ҳам у-бу олиб борай, дерди.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Беаёв тонг яқинлашмоқда. Ёвдан тортиб олинган жойни ушлаб туришса, бас.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *У Зулфиқорни ортиқ ушлаб турмай, фотиҳа берди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Бериладиган ҳақни ёки унинг бир қисмини бермасдан чегириб олмоқ, олиб қолмоқ, тутиб қолмоқ (қарз, жарима каби тўловлар ҳисобига). *Кассир ойликдан беш сўм ушлади.*

7 *кўчма* Сақламоқ, тутмоқ. *..ёлғиз бошимга ҳам Тошкентдан, ҳам Марғилондан икки хотин ушлаб туриш оғирлик қила бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Саид ака, болалар эрталаб албатта сут ичишлари керак деб, кўп йиллардан бери мол ушларди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

8 Риоя қилмоқ, амалда тутмоқ (қонун-қоида, таомил кабилар ҳақида). *«Ер-сув ишлаганники! Фақат ишлаган тишлайди!» шиорини маҳкам ушлаб иш қилдик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Шариатни маҳкам ушлаган хотин шаҳарда иккита бўлса, бири — мулла Норқўзининг хотини, иккинчиси — шу!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

9 Қўзғамоқ, тутмоқ (вақти-вақти билан авж оладиган касаллик ҳақида). *Кутилмаганда санчиқ ушлади.* ▬ *Кумушни ўқтин-ўқтин оғриқ ушламоқда.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Нозик жой(и)дан ушламоқ Қалтис, жиддий еридан тутмоқ. *Дарҳақиқат, Кумуш энг нозик жойдан ушлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Этагини ушламоқ** *айн.* **этагини тутмоқ** *қ.* **этак**. *Ўртоқжон, мен сенинг раҳбарлигингда одам бўламан, деб этагингни маҳкам ушлаганман.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

УШОҚ 1 Ноннинг майда бўлакчалари; увоқ. *Сухари ушоғи. Патир ушоғи.* ▬ *-Қаддини кўтаргунча, заводчи бойлардан солиқ олинмаслиги керак, — деди.. нон ушоқларини териб ўтирган Ёлмонбой.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Раҳмим келиб уларга, Айвончага дон сепдим. Ҳар хил нарса: қўноқ, сўк Ҳамда ушоқ нон сепдим.* Уйғун.

2 Жуссаси, гавдаси кичик, заиф, нимжон. *Ушоқ киши.* ▬ *Ҳикояни тинглаган сарим, бу қотма, ушоқ чол кўз ўнгимда салобат касб этиб.. гавдаланарди.* Ҳ. Назир, Узр, отахон. *Ёши қирқ бешга бориб қолган.. ушоқ, пакана Нуруллаев турмада баттарроқ чўкди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *шв.* Бола, бола-чақа. [*Оқсоқол*:] *Мўғул келиб, ўзимизни қул қилиб олса, хотин, ушоғимизни бозорга чиқариб сотса, яхшими?* М. Осим, Ўтрор.

УШР [*а.* عشر — ўндан бир] *тар.* Деҳқончиликдан келадиган даромаднинг ўндан бири ҳисобидан олинадиган солиқ. *Хазинани бойитаман деб, халқни гадо қилдингиз.. ушр деб оласиз, улоғ деб оласиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *..ўлпону ушр солиқлари раиятни тобора қашшоқлаштириб, тинкасини қуритди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

УШУ, у-шу [*хит.*] *спрт.* Шахсни камолотга етказишнинг фалсафий, ахлоқий ва руҳий-жисмоний (психофизик) жиҳатларга асосланган, турли хил қуроллар билан ёки қуролсиз жанг олиб бориш усулларини қамраб олувчи махсус жисмоний машқлардан иборат анъанавий хитойча ҳарбий санъатлар мажмуи.

УШУК I *шв.* Совуқ. *Қорабўрон. Ўлат. Қор. Ушук. Камчил эди замбарагу тўп.* Миртемир.

Ушук урмоқ *айн.* **совуқ урмоқ.** *қ.* **совуқ**. *..қулоқ-бурнимни ушук уриб, госпиталда ҳам ётиб чиқдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

УШУК II *шв. кам қўлл.* Эртак, чўпчак. *Бир пайтлар ушугимизни эшитиб одам бўлганлар бугун ўзимизга ушук айтиб ўтирса-я!* «Ёшлик».

УШШОҚ [*а.* عشّاق — «ошиқ I» с. кўпл.] *мус.* «Шашмақом»нинг иккинчи мақомлар гуруҳига оид куй ва шу куйдаги ашуланинг номи. *Юнус ака катта йиғинларда «Ушшоқ»*

айтадиган бўлса, уста Сирожиддинни топтириб келмай иложи йўқ. Мирмуҳсин, Созанда.

УЮМ Бир ерга уйиб ташланган нарса; түп, тўда. *Қум уюми. Шағал уюми. Ғишт уюми. Китоблар уюми.* ▬ *Ҳаммамиз кўсак уюми атрофига ўтириб олиб, кўсак чувирдик.* У. Икромов, Унутилмас хотиралар.

УЮМОҚ *шв.* Ивимоқ.

УЮР Орасида бир айғири бўлган биялар тўдаси. *Узоқ йўл босган уюр ҳовуз атрофидаги барханларнинг ёнбағрида тўзон булутидай бўлиб ётибди.* А. Мухтор, Давр менинг такдиримда. *Ўти тизза бўйи келадиган кенг яйловларда йилқи уюрлари.. ўтлаб юрибди.* А. Шермуҳамедов, Ўт-ўланлар водийси.

УЮРМА Ўралиб ҳаракат қилувчи кучли шамол; бўрон, гирдибод; шундай шамол билан юқорига кўтарилиб тушадиган майда нарсалар. *Тўзон уюрмаси. Қорли уюрма.* ▬ *Саҳродан келган қум уюрмаларидан ўзларини сақлаш учун ҳамма жониворлар ин-инига беркинди, чўл ҳувуллаб қолди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Уюрма ер юзини супурмоққа қасд этгандай, тиккайган нимаики бор, комига тортмоққа уринади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *..саратонда завол топган, қуриган хаслар осмон бўйи уюрмада чирпирак бўлиб айланади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

УЮШИҚ Уюшган, жипслашган, аҳил. *Уюшиқ маҳалла.*

Уюшиқ бўлаклар *тлш.* Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажариб, тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги билан боғланган бўлаклар.

УЮШМА Бир мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун бирлашган кишилар ёки ташкилотлар бирлашмаси; иттифоқ, ташкилот. *Ёзувчилар уюшмаси.* ▬ *Ерислоҳоти ўтказилиш олдидан қишлоқ камбағаллар уюшмаси тузилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *У* [*Мўмин*] *ҳозир шу фикрда бўлиб, колхозга вақтинчалик бир уюшма деб қарар, ишга асло ихлос қўймас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

УЮШМОҚ I Ўзаро бирлашиб, бир мақсад йўлида бирга ҳаракат қиладиган гуруҳ, жамоа, ташкилот ҳосил қилмоқ, бирга ҳаракат қилиш учун ўзаро бирлашмоқ. *Келганидан буён ҳаваскорларни тўплаб, тўгарак очмоқчи бўлиб юрган Жалолхон ҳали жуда уюшиб, қовушиб бўлмаган тўгаракнинг дастлабки бадиий хизматини кўрсатди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

УЮШМОҚ II *шв.* Увишмоқ. *..болалар уюшган оёқларини ишқалаб ёзиб, ерга туша бошладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бўри полвоннинг қалби уюшиб кетди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

УЮШТИРМОҚ I **1 Уюшмоқ** I фл. орт. н. [*Абдурасул*] *Қамишкапада биринчи мартаба батрак-камбағалларни уюштиради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ташкил қилмоқ. *Ҳашар уюштирмоқ. Фитна уюштирмоқ.* ▬ *Ўтган йили санъатшунослик институти Хоразмга экспедиция уюштирди.* Газетадан. *Ҳозирги хурсандчилик, тантананинг ҳаммасини Комилжон уюштирганлигини у биларди.* С. Зуннунова, Янги директор.

УЮШТИРМОҚ II **Уюшмоқ** II фл. орт. н. *Хушрўйнинг оғзидан чиққан бу таҳдид бечора онанинг юрагини уюштирадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УЮШҚОҚ Бир мақсад йўлида бирлашиш, уюшишга ҳаракат қиладиган, шунга интилувчан. *Биз, ишчилар, жуда катта уюшқоқ оиламиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..ташаббускор, уюшқоқ, энг муҳими, бир тан, бир жон бўлиб, қовушиб меҳнат қилаётган коллективлар бор.* «Ўзбекистон қўриқлари».

УЮШҚОҚЛИК Уюшиб, қовушиб ҳаракат қилиш, иш-фаолиятда яхши уюшиш, жипслашиш. *Меҳнат интизоми шундай бир воситаки, у ишда уюшқоқликни, ташаббускорликни.. таъминлайди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Дастлабки кунданоқ уюшқоқлик билан иш бошланиб, терим суръати кучая борди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

УЯ 1 Ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротларнинг яшаш ва кўпайиш учун мослаб ясаган жойи, уйи; ин. *Қалдирғоч уяси. Арининг уяси. Юмронқозиқнинг уяси. Бўри уяси. Қуш уясида кўрганини қилар.* Мақол. *Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак.* Мақол. ▬ *Қуш дўстлари, қушларни кутинг, дарахтларга уя ўрнатиб.* З. Диёр. *Қаердадир ўргимчак уясига илинган пашша ғинғиллар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *қ.х.* Уруғни ташлаш, экиш учун очилган чуқурча, жой. *Ҳар уяга маълум миқдор-*

да чигит экишга кўчиш.. энг муҳим масалалардандир. Газетадан. *Энди чигитни жўякка эмас, уяга экар эканмиз, Ҳатамбек.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 Ёмон ниятли кишилар ўрнашган ёки учрашадиган, тўпланадиган жой, макон. *Жосуслар уяси. Текинхўрлар уяси. Ўғрилар уяси.* ▬ *Қўзғолончилар аввалги ғайрат билан олға талпиндилар. Душман уясига айланган Кармана шаҳрига йўл очиқ эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *-Ўша пайтда бизнинг колхозга ҳаромхўрлар уя қўйган экан, мен кейин билдим, — деди Аброр.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш.

4 *кўчма* Фитна, ваҳима, қайғу ва ш.к. лар кўплаб мавжуд бўлган ёки пайдо бўладиган жой, макон. *Адоват уяси. Фисқ-фужур уяси.* ▬ *Сиз аввал шаҳардаги ғулуни бартараф қилинг, фитнанинг уясини топинг.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

УЯЛАМОҚ I Уя қурмоқ. *Қўлтиғимда ари уяласа чидайман-у, лекин қаллиғимнинг чўлга боришига чидолмайман.* А. Ҳасанов, Чироқлар. *Кимсасиз қишлоқлар, тахта қоқилган деразалар, кўршапалак уялаган қутсиз уйлар.. тоғ манзараларига қабристондай совуқ тус бериб турипти.* А. Мухтор, Чинор.

Уялаб экмоқ *қ.х.* Оралиғи бир хил бўлган уялар ҳосил қилиб, шу уяларга уруғ экмоқ. *Сиз, уялаб чигит эксак қандоқ бўлади.. десангиз, раҳматлик Маллавой ака эсимга тушади.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

УЯЛАМОҚ II Ётган жойидан туролмай қолмоқ, туришга мажоли келмай қолмоқ (ҳайвонлар ҳақида). *Қора қушлар айланганига бирорта чўлоқ қўй уялаб қолиб кетганми, деган эдим.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

УЯЛИ Муайян ҳудуднинг турли участкаларида уяча (хонача) тартибида симметрик жойлашган радиоузаткичлар асосида ишловчи алоқага оид. *Уяли алоқа.*

Уяли телефон Симсиз телефон тури; қўл телефон.

УЯЛМАЙ-НЕТМАЙ *рвш.* Уят, ор-номус ҳақида ўйламасдан; уят-андишага бормай. *Тўйдан бир кун бурун қизни ҳаммомга олиб боришларига бало борми, уялиб-нетишмайди ҳам.* К. Яшин, Ҳамза. *Уялмай-нетмай, Маҳмуд номига хутба ўқитайлик, дейди-я!* М. Осим, Карвон йўлларида.

УЯЛМОҚ Уят-андиша ҳис-сезгисини туймоқ. *Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.* Мақол. ▬ *Ортиқ бир сўз деёлмадим Андишалик бу ишдан. Лекин отда уялмадим «Хайр, жоним» дейишдан.* Т. Тўла. *-Дилор, ўртоғинг қаерга тушган? — Дилора ҳам бўйига етиб қолган қиз эди, бўласига тик қарашдан уялдими, ғўзалар ичидан туриб: -Уйида, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УЯТ 1 Ўз қилмиши, ноўрин хатти-ҳаракатидан хижолатлик ҳисси; номус. *Бетамизда бет бўлмас, Безорида уят бўлмас.* Мақол. ▬ *Кўнглида уйғонган қўрқувми, уятми — аллақандай тушуниб бўлмас бир туйғудан ранги ўчиб кетганини ўзи ҳам сезиб, Анварга зимдан қараб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *[Йўлчи:] Андак инсоф, уят керак. Чолнинг меҳнатда чириган кўксига бигизни санчаверманг!* Ойбек, Танланган асарлар. *Уятни йиғиштириб қўйиб, Замиралардникига телефон қилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Ахлоқ-одоб, таомил талабига тўғри келмайдиган, унга зид иш, хатти-ҳаракат ва ш.к. *Санам хола ишқ-муҳаббатни қаттиқ уят ҳисоблар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Ё ўғлинг сартарош бўлса, уяласанми? Дунёда ғарлик уят, ўғирлик уят!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 Уят бўладиган, уятли. *Ўтган хотинга гап ташлайди, уят гапларни гапиради.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Ҳисобчи уят сўз айтиб, оёғини кўтарди-ю, тепмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Уятли иш, хатти-ҳаракат, ҳолат кабиларни алоҳида таъкидлаш, қайд этиш учун қўлланади. *Дудуқланма, буйруқ бажарилдими, йўқми? Уят!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Соқолингизда битта ҳам қора тук йўқ-ку, ёлғон гапирасиз, уят!* Ойбек, Танланган асарлар.

УЯТЛИ Киши уяладиган, кишини уялтирадиган; хижолатли. *Холмурод бу ҳақда эндигина шубҳа қилар, гўё бир уятли иш қилиб қўйгандай, ўз-ўзидан номусланар эди.* М. Абдулла, Кутилмаган меҳмон. *Болалар кетиб қолишибди.. жуда уятли иш бўлдику-а!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Уят бўладиган, уят мазмунли. *Қори Зоҳид [ўзининг] қозикалан ўғли билан бошидан ўтказган ҳодисаларни уятли таъбирлар билан ёзиб қўйган экан.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ўткинчиларга уятли гаплар айта бош-*

лади, ҳатто бир хотинга ҳужум қилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

Уятли бўлмоқ Уятли, хижолатли ҳолатда қолмоқ. *Биз сиздан жуда ҳам уятли бўлдик, почча.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Уятли қилмоқ** Уятли, хижолатли ҳолга қўймоқ. *Қўйинг, бобо, ўзимиз ечиб минармиз, бизни уятли қилманг.* «Эрали ва Шерали».

УЯТМОҚ *с.т.* Уялмоқ.

УЯТСИЗ 1 Уят-номуси йўқ; номуссиз, шарманда. *Қандай даҳшат! Беномус, уятсиз хотин.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Ахлоқ-одобга тўғри келмайдиган. *Уятсиз хатти-ҳаракатлар. Уятсиз гап.*

3 Шундай шахсларга нисбатан ҳақорат сўзи сифатида қўлланади (*қ.* **уятсиз 1**). *«Номард! — деб ўйлади Чарос аламдан қақшаб, — атайлаб таъна қилгани келибсан-да, уятсиз!»* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

УЯТСИЗЛИК Уятсизга хос хатти-ҳаракат, хислат. *Бу хўрлик, бу одатдан ташқари уятсизлик бечора қутидорни жуда эзган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мирзакаримбойнинг уятсизлиги, дадасининг нодонлиги.. ва ҳоказони ҳикоя қиларди* [*Гулнор*]. Ойбек, Танланган асарлар.

УЯТЧАН Уят-номус ҳис-туйғуси кучли; тортинчоқ. *Неъматжон хуштабиатли, уятчан бир йигит бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромда сўзлашарди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Бировга ишқингиз тушса, қиз боладан беш баттар уятчан бўлиб қолар экансиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

УЯТЧАНЛИК Уятчан эканлик, уялиш ҳис-туйғуси кучлилик. *Қизнинг қўрқоқлигидан, уятчанлигидан фойдаланиб, уларни зўр билан ажратиб, қизни тутиб, бошқа кишига берсалар, оқибати ёмон бўлади.* С. Айний, Эсдаликлар. -*Раҳмат! — деди, кейин шу сўзнинг ўзини уятчанлик билан секин такрорлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УҚА Безак учун газмол буюмлар, кийим-кечак ва ш.к. нарсалар четига тикиб, қадаб қўйиладиган узун энсиз мато. *Ислом барлос қаҳрли кўзларини юқорига — ипак чодирнинг кўркам уқаларига, ранг-баранг ипак шокилалари осилиб турган шипга тикди.* Ойбек, Навоий. *Очиқ деразадан кирган баҳор шамоли деразанинг, учига уқа тутилган сурп пардасини силкитди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Зарбоф тўни ёқасига заррин уқа тутилган барваста эшик оғаси кириб, таъзим қилди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

УҚАЛАМОҚ 1 Баданни ёки унинг бирор қисмини босиб силамоқ, эзғиламоқ, ишқаламоқ. *Анорхон кечаси билан кампирнинг бошларини уқалаб, хўрозларнинг товушларини тинглаб чиқди.* И. Раҳим, Ихлос. *Афғон чойфуруш қорнини тўйғазиб бўлиб, дарров оёқларини чўзди, тиззаларини уқалаб, гапга тушди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Саид кўзини йиртиб, қовоқларини уқалаб, уйқусини қочирди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

2 Ишқаб кўчирмоқ. *Терговчи ўйланиб қолди ва зўр бериб пешонасининг кирини уқалар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ашур кийимларига ёпишиб қуриб қолган лойни уқалаб туширяпти.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Ишқаб, доналарни сўта, пўст ва ш.к. дан кўчириб туширмоқ, ажратмок, тозаламоқ. *Кунгабоқарни уқаламоқ.* ▬ *Жўхорини амакимнинг ўғли учдан бирга қайириб, уқалаб, келтириб берди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Қози пиёлани олдига қўйди-да, сўйилган анордан катта бир бўлагини олиб, йирик қизил доналарини кафтига уқалай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УҚМОҚ 1 Мазмунини ўзлаштирмоқ, билиб етмоқ; англамоқ, тушунмоқ. *Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга.* Мақол. ▬ *Қассоб бошини тез-тез ирғаб, уқиб олганини ишора қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Қоидаларни] Роса ўқиб, ёдлаб ол, Уқиб, дилга жойлаб ол.* Қ. Муҳаммадий.

2 Пайқаб олмоқ, ҳис қилмоқ, сезмоқ. *Олимов бошқа болаларнинг ҳам ҳайрат билан боққан кўзларида шундай саволни уққан эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Қиз-жувонларнинг кўзларидан фақат қишлоқ одамларига хос соддалик ва теранликни уқиш мумкин.* Э. Усмонов, Ёлқин.

УҚТИРИШ 1 Уқтирмоқ фл. ҳар. н. *Сен саҳро боласига сўзни уқтириш ҳам қийин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2: уқтириш хати Ёзма шарҳ, изоҳ.

УҚУБАТ [*а.* عقوبت — жазо; таъзир; ўч, қасос; жарима] Руҳий ёки жисмоний азоб, қийноқ, жафо. *Ғуломжон бу кекса дунёда жуда кам яшаган бўлса ҳам, бошидан жуда кўп уқубатлар кечирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Э парвардигорим.. боламни ўз паноҳингда асра, қолган умримни уқубатга ташлама!* Мирмуҳсин, Меъмор.

УҚУБАТЛИ Азоб ва қийноқли, машаққатли. *Уқубатли меҳнат. Уқубатли ҳаёт.* ▬ *Қасос йўли! Оҳ, бу уқубатли ва мардона йўл.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бу ҳид Шаҳнозани ғалати, ҳам ширин, ҳам уқубатли бир аҳволга солиб кетди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

УҚУВ 1 Кишининг бирор нарсани тушуниб, билиб олиш хусусияти; дид, фаҳм, фаросат. *Ҳар ишга уқув керак.* ▬ *Маҳмуда уқуви зўрлиги, саводлилиги ва уддабуролиги туфайли ҳар қандай янгиликни тез ўзлаштириб олади.* Газетадан. *Ҳаваси келарди-ю, шунга маҳорати, кучи, уқуви етадими-йўқми, ўйлаб кўрмас эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Эрматжон билан Иномжон ремонтга киришган бўлса ҳам, баъзи жойларига уқувлари етмай, мурватни бураб олишга олиб, жойига қўёлмай, унинг* [*Қўқонбойнинг*] *юрагига ғулғула сола бошлади.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

2 Ўқиш-ўрганиш кучи, имконияти; истеъдод, қобилият. *Шеър яхши нарсаку-я, лекин уни ёзишга уқувимиз йўқ.* Ойдин, Суҳбати жонон.

УҚУВЛИ 1 Уқуви яхши; дид-фаросатли. *Уқувли қиз.* ▬ *-Солдат уқувли, эпчил, ботир бўлмоғи лозим, — деди генерал.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Дастурхон безашда бунақа уқувлисини учратмаган эдим.* И. Ўктамов, Ҳикоялар.

2 Лаёқатли, истеъдодли. *Уқувли, тажрибали кишилар.*

УҚУВСИЗ 1 Уқуви яхши эмас, диди паст. *Содда кун кечиришга ўрганган уқувсиз бир қишлоқи аёл нима ҳам қила олади?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қишлоққа келадиган кўчма кинонинг уқувсиз механиклари узиб ташлаган ямоқ ленталардан йиғиб, олақуроқ «кинофильм» қилган эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

2 Таланти, истеъдоди йўқ. *Буларнинг ҳаммаси уқувсиз ёш артистлар томонидан биринчи мартаба биринчи репетицияда бажарилган ролдай ясама чиқди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

УҒОН *эск. дин.* Худо, олло, тангри. *Тўғонбек салмоқланиб деди: -Маблағни сўзсиз берганларга, уғоним гувоҳ, тилимни қимирлатмадим.* Ойбек, Танланган асарлар.

УҲ *унд.с.* Чарчаш, бўғилиш каби руҳий-жисмоний ҳис-туйғуларни ифода этади. [*Марям:*] *Уҳ! Жуда қийин ҳолда қолдим-да!* Ҳамза, Ким ўғри? *-Уҳ, бу Говнинг қилаётган найранги! — деди-да, Абдурасул токчага суяб қўйилган қўшотарни қўлига олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Уҳ тортмоқ *айн.* **уҳламоқ**. *У* [*Қобил*] *ғамгин ва хаёлчан гапириб, ҳикояси давомида неча-неча марта уҳ тортди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УҲДА [*а.* عهده — масъулият, жавобгарлик; кафиллик] *айн.* **удда**. *Аммо тўрт юз жаллоднинг қаршисига чиққан бир кишининг уҳдаси, албатта, бир кишича эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УҲЛАМОҚ «Уҳ» демоқ, уҳ тортмоқ.



ФА [*лот.* fa] Диатоник (ўзгарувчан тонли) товушқаторнинг тўртинчи поғонаси; асосий етти поғонали товушқаторнинг тўртинчи товуши. *Нота йўлининг биринчи ва иккинчи чизиқлари орасига ёзилган товуш* **фа** *дир.* И. Акбаров, Музика саводи.

ФАБРИКА [*лот.* fabrica – устахона] Машина-ускуналардан фойдаланиш асосида хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқарадиган енгил саноат корхонаси. *Пойабзал фабрикаси. Тикувчилик фабрикаси. Бадиий буюмлар фабрикаси.* ▬ *Темуржон боғчага борадиган бўлгандан кейингина, тикув фабрикасига қатнай бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ФАБРИКАНТ Катта фабрика эгаси, фабрикачи. *Улар ҳаяжонли нутқларида фабрикантларнинг кирдикорларини фош этишди.* Ойбек, Нур қидириб.

ФАБРИКАТ [*лот.* fabricatus – тайёрланган, ишлаб чиқарилган] Ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноатининг истеъмол учун мўлжалланган тайёр маҳсулоти; фабрикада ишлаб чиқарилган тайёр буюм. *Тўқимачилик фабрикатлари. Фабрикатлар сотмоқ.*

Ярим фабрикат *қ.* **яримфабрикат**. *Ҳалима холанинг ҳавасини келтирган.. бу ярим фабрикат маҳсулотлар магазини қаерда дейсизми?* «Саодат».

ФАБРИКАЧИ *эск. айн.* **фабрикант.** *..фабрикачилардан фабрикаларни, заводчилардан заводларни тортиб олиб, халққа бер, дейди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ФАБУЛА [*лот.* fabula – ҳикоя қилиш, айтиб бериш; тарих; масал] *ад.* Бадиий асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг баёни, уларнинг ўзаро боғлиқ бўлган сюжет тизими. *Масхарабозларнинг ҳикоялари, бир томондан, қизиқарли фабуласи.. билан, иккинчи томондан, ижро этилиши билан кишиларни ўзига тортган.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

ФАВВОРА [*а.* فوّاره – қайнаб тошган, кўпирган нарса, фонтан] *кт.* **1** Кучли (табиий ёки сунъий) босим билан юқорига отилиб турадиган газ, нефть, сув, суюқлик.

2 Сувни ана шундай ҳаракатга келтирувчи қурилма, иншоот; фонтан. *Икки квартал наридаги кенг хиёбон жуда ўтиришли жой: ўртаси гулзор, кичкина фаввораси бор.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Фаввора урмоқ *кўчма* Жўш урмоқ, авжига чиқмоқ. *Адолат чашмаси фаввора урди, Хиёнат балчиғин ҳар ёнга сурди.* Ҳабибий. *Ҳадемай тўй карвони йигит уйи томон йўл олди. Карвон ўтган кўчаларда тўй шодиёнаси фаввора уриб борди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ФАВТ [*а.* فوت – кетиш, жўнаш; ўтиш] *эск.* Ўлиш, дунёдан ўтиш. *Фавтимдан сўнг халойиқ не деб мазаммат қилур?* «Ёшлик».

ФАВҚУЛОДДА [*а.* فوق‌العاده – одатдан ташқари] **1** Ниҳоят кам учрайдиган; бошқаларга ўхшамаган; кутилмаганда юз берган; тасодифий. *Фавқулодда ҳодиса.* ▬ *Отнинг кавш қайтариши фавқулодда ерда, фавқулодда вақтда кечади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Замиранинг Муҳаммаджонга унаштирилгани ҳали ҳам одамларга фавқулодда бир янгилик бўлиб кўринарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Одатдан ташқари; кам дуч келинадиган, камёб. *Тиктепа қишлоғининг гузарида мулла Обиднинг қўлидаги фавқулодда кетмонни кўрган ҳар ким кулади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ойбек фавқулодда серқирра истеъдод соҳиби эди.* Газетадан.

3 *рвш.* Ғоят даражада, ҳаддан ташқари; ғоят, жуда. *Шералининг назарида, бугун ҳамма нарса фавқулодда сўлим, қушларнинг нағмаси эса жозибалироқ эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Никоҳ тўйи фавқулодда суронли ва тантанали бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Махсус шароит талаби билан белгиланадиган, содир бўладиган; навбатдан ташқари. *Фавқулодда мажлис. Фавқулодда ва мухтор элчи.* ▬ *Бу ҳодисалар саройда фавқулодда чора-тадбирлар кўришни тақозо этди.* Мирмуҳсин, Меъмор

ФАГОЦИТ [*юн.* phagos — ебтўйммас, очкўз + kytos — ҳужайра] *биол.* Одам ва ҳайвонлар организмида ёт жисм ва бактерияларни тутиб олиш ва ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлган ҳужайра.

ФАЖЕ [*а.* فجيع — фожиали, ҳалокатли] *кт. айн.* **фожи(ъ)**. *Фаже аҳвол. Фаже воқеа.* ▬ *Яқин тарихнинг ўзиёқ унинг [Навоийнинг] кўзига фаже манзараларни беҳисоб қаторлаштиради.* Ойбек, Навоий.

ФАЗА [*юн.* phasis — намоён бўлиш, пайдо бўлиш] **1** Табиат ёки жамиятдаги бирор воқеа-ҳодиса, жараён ва ш. к. нинг ривожланишидаги муайян пайт, муддат, давр. *Ғўзанинг шоналаш фазаси.* ▬ *Бу мақолада биз асосан гул ва ҳосил тугунчалари, унинг ривожланиш фазалари ҳақида фикр юритмоқчимиз.* Газетадан.

2 *махс.* Бирор нарсанинг шакли, ҳолати ёки ҳаракати ўзгаришидаги маълум ҳал қилувчи пайт, давр. *Маятникнинг тебраниш фазаси.* ▬ *Галилей дунёда биринчи бўлиб телескоп ясади-да, унинг ёрдамида Венера фазаларини кузатишга муваффақ бўлди.* «Фан ва турмуш».

3 *эл.* Генератор ўрамасининг айрим гуруҳи, шунингдек, унга уланган электр симлар.

ФАЗИЛАТ [*а.* فضيلت — афзаллик, ижобий хислат; эзгу иш] **1** Ижобий хислат, яхши хулқ ёки хусусият. *Ҳалоллик энг яхши фазилатдир.* ▬ *Меҳр-оқибат ва садоқат истасанг, ўзинг ҳам шу фазилатларнинг эгаси бўл.* Газетадан. *Самимийлик қизларнинг келажак ҳаётларида энг зарур фазилатдир.* «Саодат».

2 Афзаллик, устунлик. *Бу ерларнинг ўз фазилати, ўз кўрки бор.* Газетадан. *Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, Ҳар фаслнинг — ўз фазилати.* Уйғун.

2 Фазилат (хотин-қизлар исми).

ФАЗИЛАТЛИ Яхши, ижобий хислатга эга бўлган, яхши хулқ, характер соҳиби. *Фазилатли одам.* ▬ *Гап камтарлик ҳақида борар экан, кўз ўнгимизда ажойиб фазилатли кишилар, шу билан бирга, гердайган, мағрур, калондимоғ баъзи кимсалар жонланади.* Газетадан.

ФАЗИҲАТ [*а.* فضيحت — уят, номус; расволик, шармандалик] *эск.* Обрўсизлик, расволик, шармандалик. *Хомуш ўлтур, Муаззам, суҳбати аҳли тамиз ичра, Фазиҳат бўлмағайсан, эл аро беҳуда кўп сўзлаб.* «Ўзбек шоиралари».

ФАЗЛ [*а.* فضل — қадр-қиммат; обрў, шараф] *кт.* Ижобий хислат, фазилат, афзаллик, устунлик. *Энг шарафли фазл эрур инсонга деб аҳлу вафо, Ҳар нафас меҳру муҳаббат айлаб изҳор ўлтирур.* Ҳабибий, Девон.

Аҳли фазл Яхши фазилат соҳиблари, фазилат аҳли. *Паҳлавон, Алишерга қараганда анча катта бўлса ҳам, аҳли фазл ўртасида ном чиқарган ёш шоирни катталардек ҳурмат қилар эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. **Фазлу карам** Яхшилик ва саховат, марҳамат. *Албатта, фазлу карам Оллоҳнинг қўлида, уни ўзи истаган кишиларга берур.* «Шарқ юлдузи».

ФАЗЛ-КАМОЛОТ, фазлу камолот Ижобий хислат(лар) ва камолот, фазл ва етуклик, балоғат. У *ўз хўжасининг фазлу камолотини тақдирлаб, унга хизмат қилишни ўзи учун бир шараф деб ҳисоблар эди.* Ойбек, Навоий.

ФАЗО [*а.* فضاء — очиқ кенг майдон; коинот] **1** *айн.* **макон 1**. *Нисбийлик назарияси — материя мавжуд бўладиган фазо ва вақт назариясидир.* «Фан ва турмуш».

2 Ҳамма томонга чексиз йўналган бўшлиқ; осмон; коинот. *Жисмнинг фазодаги ҳаракати.* ▬ *Дейдилар, фазонинг чегараси йўқ, Миллиард юлдузларнинг сўнги ҳам фазо.* А. Орипов, Юртим шамоли.

3 *кўчма* Оғуш, қучоқ. *Хотини отланиб уйдан чиқиб кетгач, у аста хўрсинди-да, чексиз*

хаёл фазосига парвоз қилди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ФАЗОВИЙ [*а.* فضاوى – фазога, коинотга оид] Чексиз бўшлиққа, коинотга дахлдор, тегишли. *Олимлар, карта – дунёнинг фазовий, тасвирий образидир, деб таъриф беришган.* «Фан ва турмуш».

ФАЗОГИР [*а.* + *ф.* فضاگير – фазони эгалловчи] *кт.* Фазони забт этувчи; космонавт. *Тонг билан Ер янги фазогирини ўзга сайёралар сари учирар.* А. Исроилов, Биз – дунё одамлари. *Йўлга чиқар бу кун фазогир, Сомончининг йўли пойандоз.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ФАЗОГИРЛИК Коинотни забт этиш маҳорати, касби, ҳунари. *Биз унинг [Гагариннинг] фазогирлигига қойил қолиб, мактабни унинг номи билан атадик.* Газетадан.

ФАЗОКОР *айн.* **фазогир**. *Унинг фазокор ўғли Ер атрофида айланаркан, шу азамат чинорга бир он бўлса ҳам кўз ташлар.* А. Мухтор, Чинор. *Мактаб йўли, дўстлар, фазокор парвозидан кам эмас зарра.* А. Орипов, Йиллар армони.

ФАЗОМЕТР [*юн.* phasis – пайдо бўлиш + *юн.* metreo – ўлчайман] *физ.* Ўзгарувчан ток қурилмаларида фазаларнинг силжиш бурчагини, яъни занжирдаги ток билан кучланиш фазалари ўртасидаги фарқни ўлчайдиган асбоб. *Электрон фазометрлар билан ўлчаш электрон-механик фазометрлар билан ўлчашдагидан аниқроқ чиқади.* «ЎзМЭ».

ФАЗОТРОН [*юн.* phasis – пайдо бўлиш + (элек)трон] *физ.* Зарядланган оғир заррачаларнинг ҳаракатини тезлаштирувчи мослама, атом ядросини текширишда қўлланади. *..фазотроннинг параметрлари ўзининг бошланғич қийматларига қайтади ҳамда тезлатишнинг янги цикли бошланади.* «ЎзМЭ».

ФАЙЗ [*а.* فيض – тўкилиш, ёйилиш; мўлкўлчилик; саховат, мурувват] **1** Ўзига жалб қилишлик, қувонч бахш этувчи жозибадорлик. *Суҳбатга файз кирди. Базмнинг файзи кетди.* ▬ *Оромбахш «Чўли ироқ» полизнинг сеҳрли оқшомига яна ҳам файз киритди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Шу пайт электр чироқлари ёқилди, ҳовлига файз устига файз қўшилди.* Газетадан.

2 *кўчма* Барака, мўллик. *Файз ёғилди Ўзбекистонга, Бу дилрабо боғу бўстонга.* Х. Расул. Бахт нашъаси. *Фарғонанинг ҳусни келди саҳрога, Пахта экдим, файз келди, инжу келди.* Т. Тўла, Оромижон.

ФАЙЗБАХШ [файз + *ф.* بخش – бағишловчи] *кт.* Лутфу карам, қут-барака бахш этувчи, инъом-эҳсон берувчи.

ФАЙЗИЁБ [файз + *ф.* ياب – топувчи] *кт.* **1** Ўта тароватли, мафтункор, кўркам, серфайз. *Боғлар нурдан файзиёб бўлди.* Ҳ. Ғулом. *Ёмғир савалаган сайин чанг-ғуборли атроф-жавониб мусаффолашмоқда, файзиёб бўлмоқда эди.* «Ёшлик».

2 Баҳраманд. *Бепоён мамлакатимизда.. ҳаёт неъматларидан ҳамма файзиёб.* Газетадан. *То ҳаёт эканмиз – савобга зормиз, Йилт этган шуъладан диллар файзиёб.* А. Орипов, Йиллар армони.

ФАЙЗЛИ Ўзига жалб қиладиган; жозибадор, истараси иссиқ; кўркам. *Файзли боғ. Файзли одам. Файзли суҳбат.* ▬ *Шаҳримиз қиёфаси кечқурун янада файзли бўлади.* Газетадан. *Балки менинг онам ҳам Мўътабархоннинг онасига ўхшаб ширинсўз, минг марта айланиб-ўргилиб, гиргиттон бўладиган файзли аёлмиди?* М. Алиев, Шонли авлод.

ФАЙЗСИЗ Ёқимсиз таассурот қолдирадиган, жозибасиз, хунук, бефайз. *Файзсиз одам. Файзсиз суҳбат. Файзсиз кўча.* ▬ *Эркаксиз уй файзсиз, кўрксиз кўринади кўзга. Фарзанд учун эса ота бир тоғдай.* М. Алавия, Болаларимнинг отаси. *Деворнинг қулаган жойидан олмазор ҳовли рўяси бирданига файзсиз, хунук бўлиб кўринди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ФАЙЗ-ТАРОВАТ Кўркамлик, ҳусн; гўзал кўриниш. *Узоқ умр кўриб, бахт-саодатли яшаган кексаларимиз фаровон ҳаётимизга файз-таровват бағишлаб туришибди.* Газетадан. *Нуроний оналаримизу отахонларимиз яшаётган уйларнинг ўзига хос файз-тароввати бор.* Газетадан.

ФАЙЗ-ФУТУР: файз-футур кетмоқ *айн.* **футур кетмоқ** *қ.* **футур.** *Навоий кетди – Ҳиротдан файз-футур кетди.* Ойбек, Навоий.

ФАЙЗ-ҲАЛОВАТ [файз + ҳаловат] Жозиба, осойишталик, кўркамлик ва тинчлик. *Аёллар бор жойда файз-ҳаловат бор..* «Ёшлик».

ФАЙЛ [*ингл.* file – қоғозлар тикмаси, картотека] *тех.* Компьютер хотирасида алоҳида ном (сарлавҳа) остида сақланадиган, бошқа алоҳида номдаги ҳужжатларни (матн-

ларни) қабул қилмайдиган ҳужжат ёки ҳужжатлар мажмуи.

ФАЙЛАСУФ [*а.* فيلسوف < *юн.* philosophos – доноликни севувчи] **1** Фалсафа илми, дунёқараш муаммолари билан шуғулланувчи олим, мутахассис. *Шарқнинг машҳур файласуфлари.* ▬ *Файласуф ҳақиқатга ошиқ кишидир. Шунга кўра, ҳар бир ҳақиқатталаб одам маълум даражада файласуфдир.* «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». *Файласуфларнинг оқил гаплари бор. Ўзгартиришнинг иложи бўлмаган нарсага кўникмоқ керак, дейишади.* «Ёшлик».

2 *с. т.* Донолар каби муҳокама юргизадиган; донишманд. *-Файласуф эканку-а? – Бозор Қудратов энгашиб, Рауфга шивирлади: -Сатторнинг гапларини қара-я!* «Ўзбекистон кўриқлари».

ФАЙЛАСУФЛИК 1 Фалсафа илми билан шуғулланиш.

2 Файласуф сингари, файласуфнамо фикр юритиш. *Эрнинг бирдан файласуфлиги тутиб кетди.* С. Аҳмад, Сайланма. *-Сен бир харсангтошсан, сендан мен ажойиб ҳайкал ясайман, – деган эди бир куни файласуфлиги тутиб кетиб Жанна.* Мирмуҳсин, Умид.

ФАЙЛАСУФНАМО [файласуф + *ф.* نما – сингари, ўхшаш] *с.т.* Файласуфга ўхшаш, файласуф қиёфасидаги; файласуфлардек. *Файласуфнамо мулоҳаза юритмоқ.* ▬ *Суҳбатдошим нуроний бир чол – қувноқ, тетик, файласуфнамо.* С. Зуннунова.

ФАЙТОН *эск. айн.* **фойтун.** *У* [*от*] *гоҳ эгарланади, гоҳ ҳовлидаги файтонга қўшилади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ёқутой мактаби олдига икки файтон келиб тўхтади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ФАЙТОНЧИ *эск. айн.* **фойтунчи.** *Амирнинг файтончиси.. чарчаган оқсоқ отнинг сағрисига устма-уст қамчи сола берди.* С. Айний, Қуллар.

ФАКС *қ.* **телефакс 1**, **2.** *Компьютер, факс, «уяли» телефон каби мўъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди.* Газетадан. *Вилоят почта бўлимларида 16 та компьютер.. 3 та факс аппаратлари ўрнатилган.* Газетадан.

ФАКСИМИЛ Айнан, аслидагидек акс эттирилган, факсимиледан иборат, факсимиле каби. *Факсимил телеграмма.* ▬ *Бу китоблар орасида машҳур шоир ва таржимон Сайфи Саройи асарларининг қўлёзма тўпламидан олинган факсимил нусха ҳам бор.* «ЎТА».

ФАКСИМИЛЕ [*лот.* fac simile – айнан шундай қил, бажар] **1** Фотонусха воситасида аслидек қилиб босилган қўлёзма, ҳужжат ва б. хил босма маҳсулотлар.

2 Шахснинг ўз қўли билан қўйилган имзони айнан акс эттирувчи босма шакл; клише-муҳр.

ФАКТ [*лот.* factum – бажарилган, қилинган] **1** Ўйлаб топилмаган, уйдирма бўлмаган, реал, мавжуд нарса; ҳақиқий воқеа, ҳодиса. *Суҳбатларни жонли, қизиқарли, турмушдаги фактларга суяниб ўтказиш керак.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳар қандай дадил фантазиянинг замирида ҳам ҳаётий тажриба, реал фактлар, манзаралар ётади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Бор нарса, воқеа ёки ҳодиса ҳақида маълумот, далил. *-Ҳамма бўлган фактларни ёза бер.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Энди у дангал фактларни рўпара қилишга қарор берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Бирор нарса ҳақида хулоса чиқариш, қатъий бир фикрга келиш учун хизмат қиладиган нарса, асос (мас., ҳужжат, далил, мисол). *Жиноят юзасидан йиғилган фактлар етарли эди.* ▬ *Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги суд ишларини кўриб чиқиш практикаси муҳокама этилди.* Газетадан. *Шундан сўнг раис Низомиддиновга танбеҳ қилди: Конкрет фактларга ўтинг.* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар.

ФАКТИК Аниқ далилга асосланган; шубҳа туғдирмайдиган, ҳақиқий ҳолат ифодаси бўлган. *Фактик материаллар. Фактик материаллар таҳлили.*

ФАКТОР [*лот.* factor – бажарувчи, ишлаб чиқувчи] *қ.* **омил 1**. *Ҳал қилувчи фактор.* ▬ *Бу факторлар ҳақиқий ёзувчини ҳамкасабаларидан ажратиб турадиган индивидуалликка олиб келади.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Узоқ яшаш факторларидан бири тоза ҳаводир.* «Саодат».

ФАКТУРА [*лот.* factura – қайта ишлаш, тузатиш] **1** Харидорларга сотиш учун жўнатилган молларнинг рўйхати, миқдори ва нархи кўрсатилган ҳужжат. *Фактура билан мол бермоқ.* ▬ *Қизиқиб фактурани талаб қилдим.* Газетадан. *Дорихона олиб, унда фактураси йўқ моллар сақлаб, уларни истаган нархда сотди.* Газетадан.

2 Тасвирий санъатда: асар сиртининг ишланиш ёки тузилиш хусусияти. *XX аср санъатида фактурани мураккаблаштириш бўйича тажрибалар тарқади.* «ЎзМЭ».

ФАКУЛЬТАТИВ [*фр.* facultative < *лот.* facultas, facultatis – имконият, мумкинлик] Мажбурий бўлмаган, ихтиёрий; ихтиёрий равишда танлаб олинадиган. *Факультатив курс. Факультатив семинар. Факультатив машғулотлар.* ▬ *..бундай қўлланиш адабий тилда ва айрим шеваларда факультатив характерга эга.* «ЎТА».

ФАКУЛЬТЕТ [*нем.* Fakultät < *лот.* facultatis – қобилият, имконият] Олий ўқув юртининг маълум ихтисослик бўйича тегишли фанлар ўқитиладиган бўлими. *Филология факультети. Кимё факультети. Факультет йиғилиши.* ▬ *У Шерали учунгина эмас, бутун факультет, университет учун мўътабар ва ҳурматли киши.* С. Кароматов, Олтин қум.

ФАКУЛЬТЕТЛАЛАРО Факультетлар ўртасида, орасида. *Факультетлараро спорт мусобақаси. Факультетлараро муносабат.*

ФАЛАЖ [*а.* فلج – шол, паралич] *тиб.* Асаб системасининг ишдан чиқиши натижасида тана аъзоларидан бирортасининг тамоман ҳаракатсиз бўлиб қолишидан иборат касаллик; шол. *Оёқ фалажи. Фалаж бўлиб қолмоқ.* ▬ *Шу (B_1) дармондори етишмаслиги натижасида киши фалаж касалига йўлиқиши мумкин.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. [*Анорбиби*] *Юрак фалажига йўлиққани маълум бўлиб, шу кун кечаси, ҳатто уч гўдаги тўғрисида бир оғиз васият қилолмай.. вафот этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Ишдан чиқиш, ҳаракатсиз бўлиб қолиш. *Асрлар ўтишига қарамай, бу ерда ҳаёт ҳали ҳам фалаж эди.* Ойбек, Навоий.

ФАЛАЖЛАМОҚ Фалаж, шол қилиб қўймоқ. *Алкоголь даставвал бош мия ҳужайраларига таъсир қилади, кейин уларни фалажлайди.* Газетадан.

ФАЛАК [*а.* فلك – осмон; осмон гумбази] **1** Ердан юқорига қараганда гумбаз, қубба шаклида бўлиб кўринадиган фазо бўшлиғи, осмон гумбази; осмон, кўк. *Яна чақмоқ чақди, яна фалак гумбурлади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Чингизхон от солиб келиб, Минори Калон тагида фалакка бўй чўзган бу обидага маҳлиё бўлиб қолибди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Осмони фалак *с. т.* 1) жуда баланд, юксак. -*Сиз билан тўхтовсиз қилинган маишатлар мени аввал осмони фалакка олиб чиқиб, кейин жарга улоқтирди, – деди Олим Эргашга.* Б. Раҳмонов, Қилмиш-қидирмиш. *Шу баробар олдинда чанг-тўзонни осмони фалакка чиқариб гирдоб кўтарилди.* М. Мансуров, Ёмби; 2) *кўчма* дабдабали, баланд-парвоз. *Ноғоралар гумбури ва карнайлар садоси яна осмони фалакка чиқди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 *кўчма* Тақдир, қисмат, кўргилик. *Мен ўзим бу фалакнинг дастидан нажот излайман, бегим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Эй фалак, чархинг бузилсин, Кимларга хор этдинг мени.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Фалакнинг гардиши билан Фавқулодда ҳоларда, ғайриихтиёрий равишда, вазият талаби, бирор мажбурият орқасида; тақдир тақозоси билан. *Бу ғариб ва кимсасиз киши асли Сабзавор шаҳридан, фалакнинг гардиши билан Ҳиротга келиб қолган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фалакнинг гардиши билан шу қишлоққа куёв бўлиб келди.* «Муштум». **Парвойи фалак** Юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қаровчи; парво қилмайдиган, беғам. *Ғўзаларингиз чанқаб кетибди.. сиз бўлсангиз парвойи фалаксиз.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Ювош эса парвойи фалак; ҳеч нарса билан иши йўқ, доим хурсанд.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Фиғони фалакка чиқмоқ** (*ёки* **ўрмаламоқ, кўтарилмоқ**) Ҳаддан ташқари жаҳли чиқмоқ, асабийлашмоқ, бўғилмоқ. *Хайри боғчадан ўғлини олгани кирганда, тарбиячининг фиғони фалакка чиқиб турган эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. -*Падарига минг лаънат, шу ҳам кўп бўлдими, – саксон ёшлар атрофидаги отахоннинг фиғони фалакка ўрмалади.* «Муштум».

ФАЛАКАТ *с.т. айн.* **фалокат 2**. *Ҳаракатда – баракат, ётиб еган фалакат.* Газетадан. *Дугонажон, эрга тегдик десак, куйган эканмиз. Қаердаги фалакатга теккан эканмиз.* «Гулихиромон».

ФАЛАКИЁТ [*а.* فلكيّات – астрономия; астрономияга алоқадорлик] *эск. тар.* Астрономия ва табиий географиядан умумий маълумотлар берувчи, ўрта асрларда ривож топган фан; астрономия. *Абу Наср.. вақтини риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт илмларини ўрганишга сарф этар эди.* М. Осим, Жайҳун

устида булутлар. *Сўнгра устод Қозизода Румий онҳазратнинг илтимоси билан зарбоф матога ўралган қалин китобини очиб, риёзиёт илми ҳамда бу илмнинг фалакиётни ўрганишдаги ўрни тўғрисида баҳс юритди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

ФАЛАҚ [*а.* فلق – тешик, ёриқ, дарз; ёғоч тўсин] *эск.* Ўтмишда эски мактабларда гуноҳкор ўқувчининг оёқлари илигига киритиб боғлаб жазолайдиган махсус тахтакач, тахта исканжа. *Биз домланинг қанча калтагини еб, фалақ азобларига чидаб, ўн йилда хат-саводли бўлган эдик.* С. Айний, Дохунда.

Фалаққа тортмоқ (*ёки* **осмоқ**) Айбдорнинг оёқларини фалақ тешигига киргизиб, боғлаб қўймоқ. [*Домла*] *Бўлар-бўлмасга фалаққа тортавериб, бола бечораларнинг юрагини олиб қўйган экан.* Н. Сафаров, Кўрганкечирганларим. *..домла беҳининг новдаси билан уради, мошга чўккалатади, фалаққа осади..* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар.

ФАЛЛОҲ [*а.* فلّاح – деҳқон, экинчи, зироатчи] Араб мамлакатларида ўтроқ деҳқоннинг номи. *Карбало даштига қўл узатиб у, Фаллоҳлар ҳолидан бўлди хабардор.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. *Бу кўчаларда ўтар фаллоҳлару ҳаммоллар, Тоғчилар, қурувчилар, қаламкашлар, адиблар.* Миртемир, Асарлар.

ФАЛОКАТ [*а.* فلاكت – мусибат, бахтсизлик; мушкул аҳвол] **1** Одамлар ихтиёридан ташқари, кутилмаганда юз берадиган кўнгилсиз воқеа, ҳодиса; бахтсизлик; офат. *Фаросатсиз – фалокатга йўлиқар.* Мақол. ▬ *Кумушбиби учун бу ҳол кутилмаган бир бахтсизлик, кутилмаган бир фалокат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тоҳир ёмон бир фалокатни олдиндан сезгандай, юраги увушди.* П. Қодиров, Бобур.

Фалокат оёқ остида Офат, бахтсизлик кутилмаганда, қўққисдан юз бериши мумкин. -*Фалокат оёқ остида, деганлари ҳақ гап экан-да, – деди кимдир.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Фалокат босиб** Ғайриихтиёрий равишда; ўйламасдан, адашиб, билмай. *Бир куни фалокат босиб, меҳнат дарсида.. электр аррани синдириб қўйсак бўладими?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Фалокат босиб, эру хотин уришиб қолишди. Охир бўлмади, ажралиб кетишди.* Газетадан.

2 *сўк.* Ярамас; бадбахт. [*Бой*:] *Ғофирни кўрдингми?* [*Холмат*:] *Боя шу ўртада ўралашиб юрувди, фалокат! Бир зумда йўқолиб қолибди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. ..*Немис фалокат лотинчани ҳам, ўзбекчани ҳам билар экан.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ФАЛОКАТЗАДА [*а.* + *ф.* فلاکتزده – фалокат урган, бахтсиз] Фалокатга дучор бўлган, фалокат азобини чеккан. [*Муҳаммад Паҳлавон*] *Ҳозир тонг уйқуси элитган фалокатзада дўстининг сарғайган юзига қараб, унинг уйғонишини кутиб ўтирар эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ФАЛОКАТЛИ Хавфли, мудҳиш, бахтсизлик келтирувчи; хавф-хатарли. [*Отабек*] *Ўзининг очиқ кўзи, ўткир зеҳни орқали бундай ўзбошимчалик орқасидан мудҳиш фалокатли манзаралар кўрар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу фалокатли ишни Йўлдош бошлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ФАЛОКАТСИЗ Хавф-хатарсиз; бешикаст; бирор кор-ҳол юз бермай, бахтсизликка учрамай. *-Айт хўжайинингга, нозик юкни фалокатсиз элтиб қўйдим, пулни мўлроқ чўзсин, – деди* [*Қора Аҳмад*]. Ойбек, Танланган асарлар.

ФАЛОН [*а.* فلان – шундай, шундай бир] *гум. олм.* **1** Нарса, шахс ёки воқеа-ҳодиса, улар ҳақидаги бирор хусусият, белгини аниқ билдирувчи сўзлар ўрнида ишлатилади. *Фалон киши. Фалон нарса. Фалон жой. Фалон сўм. Фалон вақт.* ▬ *Фалон вақтда келаман деса, тамом, келмасдан қўймасди.* Ў. Умарбеков, Чарос. *Фалон ҳовлида бўйи етган қиз бор, деган гапни эшитиб, кўзимиз ўйнар, лекин юзини кўрмасдик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Фалон-писмадон (*ёки* **фалон-пистон, фалон-тугун)** *с. т.* У-бу, ундай-бундай, анави-манави. *Фалон-пистон деб гапни чўзма.* ▬ *Акам пақирнинг қорнини ёрсанг, алиф чиқмайди-ю, тағин фалону писмадон деганига куяйми!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор хусусият ёки ҳодисанинг, жараённинг миқдоран жуда ортиқлигини, юқори даражада эканлигини билдиради. *Энг ёмони – шаҳарда қовун етишмаётган экан, бир тилими фалон пул эмиш.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. -*Синиқчига оборишни ўзим ҳам биламан. У фалон пул сўрайди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бозорда муштумдай жўжа фалон пул.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

3 Одоб-ахлоққа зид, айтиш уят ҳисобланган сўзлар ўрнида қўлланади. *Она билан қизни бир одамнинг фалон қилиши шариат юзасидан тузук эмас.* С. Айний, Қуллар. *Кампир, агар шунга тегмасанг – фалон, деб оғзига сўз олди, мени уйидан ҳайдаб чиқарди.* «Муштум».

ФАЛОНЧА *с. т.* Номаълум миқдорни ифодалайди; шунча, шу миқдорда. *Фалонча сўм. Фалонча китоб.* ▬ *Хўш, фалонча таноб ер сеники, деди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Шу билан бирга ердан олинадиган ҳосилни «фалонча» деб чегаралаб ҳам бўлмайди.* Газетадан.

ФАЛОНЧИ *гум. олм.* Кимсани аниқ атамасдан, унинг исми ўрнида ишлатиладиган сўз. *Фалончи, ота-онаси бўлмаса ҳам, ўксимай ўсди, дейишади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёзганда ҳам, фалончини мақтайман, деган ўйим бўлмаган. Жўнгина қилиб, ўзим ўйлаган нарсаларни ёзганман.* М. М. Дўст, Лолазор.

Кимсан – фалончи 1) энг машҳур, юқори мартабали. *Ўшанда Ҳамза кимсан – фалончи бўлиб ном қозонади.* К. Яшин, Ҳамза. *Отанг кимсан – фалончи, онанг тиллага топиб бўлмайдиган Нафисахон бўлса, сендан бахтли қиз борми!* Мирмуҳсин, Умид; 2) юқори мансабли; бой, бадавлат. *Кимсан – терифуруш фалончи бой! Лекин кўрган одам ямоқчими, бўзчими, деб ўйлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ФАЛСАФА [*а.* فلسفه < *юн.* philosophia < phileo – севаман + sophia – донишмандлик] **1** Табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан; олам ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги ғоялар, дунёқарашлар тизими. *Умар Хайёмнинг қисқа, лекин сермазмун байтларига сингдирилган ҳаёт фалсафаси буюк, ҳаёт ва дунёдайин бепоён.* Газетадан. *Устоз Қори-Ниёзий Шарқ ва Ғарб фалсафаси тарихи, сиёсий иқтисод, адабиёт, санъат бобида ҳар қандай мутахассис билан баҳслаша оларди.* «Фан ва турмуш».

2 *с. т.* Эшитиб ўтириш ва мулоҳаза қилишга арзимайдиган, асоссиз, мавҳум фикр, мулоҳаза; қуруқ сафсата. *Бу одам «ҳаётнинг олға босуви мумкин эмаслигини исбот қилатурган» ўзининг фалсафаси билан Саидийни юпатар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бу анави чол – Пўлатжон домланинг гапи! Бунақа фалсафалар ўшандан чиқади!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Фалсафа сотмоқ (*ёки* **сўқмоқ**) Ўринсиз, фойдасиз, узоқ мулоҳаза юритмоқ, гапни чўзмоқ; сафсата сотмоқ. -*Фалсафа сотиш бас, – деб Ҳасаннинг сўзини кесди Фотима.* С. Айний, Қуллар.

2 Шахсий тажриба, фикр-ўй асосида юзага келган ишонч, эътиқод. *Жони бор одам қимирлаб туриши керак – унинг фалсафаси шу.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бу сўзлари билан у ўзининг содда фалсафасига якун ясагандай бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ФАЛСАФИЙ [*а.* فلسفى] **1** Фалсафага оид (*қ.* **фалсафа 1, 2**). *Абу Али ибн Синонинг адабий ижодида унинг фалсафий, этик ва эстетик қарашлари ўз ифодасини топган.* Газетадан. *Одатда, назарий, фалсафий қоидаларни лўнда қилиб ечиб бериш жуда мушкул масала.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Табиат ва жамият ҳақидаги теран дунёқарашни ўзида ифода этган. *Фалсафий роман. Фалсафий оқим. Фалсафий лирика.* ▬ *Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, фалсафий лириканинг фалсафа фанига дахлдорлиги нисбий характерга эга.* «ЎТА».

ФАЛСАФИЙЛИК Фалсафий мушоҳадаларга эгалик. *Шеър руҳидаги чуқур фалсафийлик.. хусусиятларини биз Ойбекнинг шеъриятида ҳам кўрамиз.* «ЎТА».

ФАЛЬСИФИКАТОР Фальсификация, яъни сохталаштириш билан шуғулланувчи, сохталаштирувчи. *Тарих фальсификаторлари.*

ФАЛЬСИФИКАЦИЯ [*юн.* falsificare – сохталаштирмоқ, қалбакилаштирмоқ] Чин, ҳақиқий воқеа ёки ҳодисани бузиб, бўяб кўрсатиш, сохталаштириш, қалбакилаштириш.

ФАМИЛ [*р.* фамильный – оилага алоқадор < *лот.* familia – хонадон, оила]: **фамил чой, фамилчой** *с. т.* Қора чой ва шундай чой солиб дамланган ичимлик. *..аччиқ фамил чойнинг иссиғи юзига тепгандек, нозик қирра бурнининг учи қизариб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Девзира гуручнинг палови фамил чойни хуш кўрмайди..* С. Аҳмад, Сайланма. *Ёғлиқ овқат, гўшт, жигар, сут, қаймоқ, юмшоқ нон ейиш мумкин эмаслигини, нон қоқиси еб, қуюқ фамилчой ичиш лозимлигини айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ФАМИЛИЯ [*лот.* familia – қуллар, тобелар; хонадон; меросий ном; авлод, оила]

Ота-она ёки бобо исмидан ясалиб, шахс исмига қўшиб айтиладиган, наслдан наслга ўтадиган оилавий ном. -*Икки кун ўтгандан кейин вестибюль деворини тўлдирган узундан-узоқ буйруқ — рўйхатда Шавкатнинг фамилияси ҳам чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *У фамилиясидан «хўжа»ни олиб ташлаган, домовойга [уй дафтарига] «Тошхўжаев» эмас, «Тошев» деб ёзилган.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ФАМИЛИЯДОШ Фамилиялари ўхшаш, бир хил бўлган шахслар. *Қаранг-а, дадажон, сиз билан биз фақат фамилиядош эканмиз, холос.* «Ёшлик».

ФАН [*а.* فنّ — санъат, маҳорат; эркин касб; илм, билим; тармоқ] **1** Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда ўзи эришган натижалар билан атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизими. *Фан асослари. Фан ютуқлари.* ▬ *Ҳар бир фаннинг ўзига хос сири ва сеҳрли томонлари бўлади.* «Ёшлик». *Фан тарихида қизиқарли ҳодисалар кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай билимлар тизимининг алоҳида тармоғи, йўналишлари, соҳалари. *Аниқ фанлар. Ижтимоий фанлар. Табиий фанлар. Физика фани. Тилшунослик фани.* ▬ *Биласизми, бўталоғим, табиий фанлар даврнинг зарурий эҳтиёжларидан вужудга келади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Биология фани ҳам ниҳоятда ривож топиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ФАНАТИЗМ [«фанатик» с. дан] **1** Ўз дини ва эътиқодига ортиқ даражада ёпишиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашларни рад этиш, фанатикларча фикр юритиш ва ҳаракат қилиш; ўтакетган мутаассиблик, жоҳиллик. *Диний фанатизм.* ▬ *Покистонда ижтимоий ва сиёсий жараёнлар орқасида халқнинг ўзи тобора секин-секин фанатизмдан воз кечмоқда.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Бирор ғоя, иш ёки машғулотга бутун вужуди билан берилиб кетиш, муккасидан кетганлик, ўта ишқибозлик.

ФАНА́ТИК [*лот.* fanaticus — асабийлашган; жазаваси тутган] **1** Ўзининг ўта диндорлиги, бошқа динлар, эътиқодларга тоқат қила олмаслиги билан ажралиб турувчи киши; ўтакетган мутаассиб.

2 Бирор ғоя, иш ёки машғулотга бутун вужуди билан берилиб муккасидан кетган, ўта ишқибоз одам. *Афанди доктор паришонхотир бўлгани билан ўз касбига пухта, медицинага фанатик ошиқ эди.* Газетадан.

ФАНАТИ́К *сфт.* Фанатизмга оид, ўтакетган мутаассиблик руҳи билан суғорилган. *Фанатик одам. Фанатик ҳаракат.*

ФАНЕР [*нем.* Furnier < *фр.* fournir — устма-уст қўймоқ, қопламоқ] **1** Юпқа қилиб текисланган ёғоч тахталарни устма-уст, қатлам-қатлам елимлаб ёпиштириб тайёрланган қурилиш материали. *Аҳмад шиддат билан фанердан ясалган кичкина дарчани тақиллатди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Шу маҳал якка табақали фанер эшик очилиб, остонада шифтдай бўлиб, Тўрабек кўринди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Мебелларнинг сиртини қоплаш учун ишлатиладиган юпқа тахта, пластинка. *Маҳкам стул суриб ўтирар экан.. бир четига сиёҳ тўкилган, сирти фанер стол кўзига одатдагидан бошқачароқ кўриниб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ФАНЕРА *айн.* **фанер.**

ФАННИЙ [*а.* فنّى — бадиий, ижодий; моҳирона] *кт.* Фанга, илмий асосларга таянган; илмий. *У ўзининг.. қалтис таваккал билан қўл урган хатарли фанний тажрибаларидан мамнун бўлур эди.* А. Мухтор, Чинор.

ФАНО [*а.* فناء — ўлим, ўлиш; йўқ бўлиш, ҳалокат] *эск. кт.* **1** Йўқ бўлиб кетиш, ўлиш. *Гарчи фано ҳар кимсага Азалий бир қисматдир.* А. Орипов, Онажон.

Фано бўлмоқ (*ёки* **топмоқ**) Ўлмоқ, вафот қилмоқ; йўқ бўлмоқ. *Юрт эгаси энди фано бўлибди, Ул сабабдан сендай жаллод келибди.* «Ширин билан Шакар». *Вақт, замон олий ҳакам, Бу кун фано топгай ғазал. Гар ғазал узра қуёшдек Сочмаса ёғду замон.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Ўзидан ва бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сиғиниш. -*Умримни фақру фано йўлига бағишламоқ ниятидамен, — кўзларидаги ҳасратни учқунлантириб гапирди Ҳайдар.* Ойбек, Навоий. *Дунёнинг ҳой-ҳуйидан «этак силтаб», фақр ва фано йўлини тутсинми?* Ойбек, Навоий.

ФАНОР *с.т. айн.* **фонарь**. *Тол шохига осиғлиқ фанорни ёқсаммикин, ёқмасаммикин, деб ўйлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ФАНТА [«фантазия» с. дан] Цитрус ўсимликлар (лимон) мевасидан тайёрланадиган чанқовбосди ичимлик. *Раҳимжон уйдан бир*

шиша арақ, бир шиша «Фанта» ичимлиги, олма, бодринг олиб чиқди. Газетадан.

ФАНТАЗИЯ [*юн.* phantasia – хаёл, тасаввур] **1** Инсоннинг бирор нарсани ўйлаб чиқариш, тасаввур қилиш қобилияти; ижодий тасаввур, фараз. *Фантазияси кучли одам.* ▬ *Деворий суратда фақат фантазияга таяниб иш кўриб бўлмайди.* «Гулистон». *Саргузашт – фантазия билан тирик, фольклор эса фантазия бобида ёзувчи учун бамисоли бир қанот.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Шахмат ўйини фантазияни қўзғатади ва ўстиради.* Газетадан.

2 Амалга ошиши қийин бўлган ёки умуман амалга ошмайдиган, хомхаёл, пуч орзу. *Очил.. Маҳкамнинг ижод фантазиясига тушунмаганидан жилмаяр эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Э, бунга ишонмайман, бу пуч хаёл, фантазия.* Газетадан.

3 *мус.* Эркин услубдаги енгил мусиқа асари. *Катта ва кичик формадаги энг яхши асарларнинг деярли ҳаммаси тингловчиларга ҳавола қилинмоқда.. М. Насимов ва бошқа композиторларнинг.. рапсодия ва фантазиялари шулар жумласидандир.* Б. Зиёев, Ижод уфқлари.

ФАНТАСТ [*юн.* phantastikos – хаёл, тасаввурга оид] Фантастик асарлар (бадиий асар, сурат, фильм ва ш.к.) яратувчи ижодкор. *XIX асрда Францияда улуғ фантаст-ёзувчи Жюль Верн ўтган.* «Фан ва турмуш». *Ҳар бир фантаст адиб ўзининг ижодий қобилияти, фаннинг у ёки бу соҳасидаги билим доираси имкон берган даражада асар яратади.* «Ёшлик».

ФАНТАСТИК 1 Фантазияга (*қ.* **фантазия 1)** асосланган; фантастикага оид; борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар нотабиий равишда, муболаға билан тасвирланадиган. *Фантастик роман. Фантастик ҳикоя.* ▬ *Эртаклар тўла сюжет компонентларига эга бўлиб, уларда воқеа-ҳодисалар фантастик либосда тасвирланади.* «ЎТА».

2 Амалда, ҳақиқатда бўлмайдиган, ўйлаб, тўқиб чиқарилган; уйдирма; хаёлий. *Фантастик воқеа.*

ФАНТАСТИКА [*юн.* phantastike – хаёл қилиш санъати, қобилияти] **1** Хаёлда, тасаввурда туғилган, ғаройиб, ғайритабиий ҳодиса, образ ва ш. к. ҳамда уларнинг хаёлий тасвири. *Халқ эртаклари фантастикаси.* ▬ *Адабиётшуносликда уни* [*фантастикани*] *иккига – илмий фантастика ва бадиий фантастикага бўлиб ўрганилади.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай образлар тасвирланган бадиий ижод тури, жанр (адабиёт, кино, тасвирий санъат). *Дарҳақиқат, ҳар қандай адабиёт ривожида фантастика жанри ҳам муҳим роль ўйнайди.* «Ёшлик». *Ўзбек.. адабиётида фантастиканинг жанр сифатида қарор топа бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.* «Фан ва турмуш».

ФАНФАРА [*итал.* fanfara] *мус.* **1** Мисдан ясалган, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. *Фанфараларнинг овозлари, ноғора ва барабанларнинг товуши байрам бошланганидан дарак берди.* Газетадан.

2 Шундай чолғу асбоби ёрдамида байрам ёки парад бошланганидан хабар берадиган, тантанавор руҳда ижро этиладиган қисқа мусиқий сигнал. *Спорт парадининг қатнашчилари фанфараларнинг садоси остида майсазорда саф тортдилар.* Газетадан. *Спартакиада байроғини кўтаришга чорловчи фанфаралар овози бутун майдонни янгратиб юборди.* Газетадан.

ФАНШУНОСЛИК Фанларнинг вазифаси, тарихий тараққиёт қонуниятларини, тузилиши, фаолият кўрсатувчи тузилмаларини, фаннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ш.к. ни тадқиқ қилувчи илмий соҳа.

ФАОЛ [*а.* فعّال – ҳаракат қилувчи; таъсирчан] **1** *сфт.* Бирор ғоявий ҳаракат ёки ишга ғайрат билан, астойдил киришадиган, ишчан. *Нормурод фаол бир колхозчи бўлса ҳам, соддагина бир одам, ундан ҳар сирни олиш мумкин.* С. Айний, Қуллар. *Муҳиддин Каримов ерларни обод қилишда фаол қатнашди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бунинг сабаби шуки, фаол фикрлаш, ўйлаш мияга қон келишини кучайтиради.* «Фан ва турмуш».

2 *от* Бирор жамоанинг ижтимоий ҳаётида, фаолиятида астойдил, берилиб ишлайдиган шахс, жамоатчи. *Қишлоқ фаоллари катта тўйлардаги сингари гурс-гурс ер босиб елиб юришибди.* Й. Шамшаров, Чироқ. *Мулла Обид қишлоқ йиғинларига, фаоллар мажлисларига бормайди эмас, боради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Ҳаракатчан, кўп ҳаракат қиладиган. *Нутқнинг фаол аъзолари.*

ФАОЛА [*а.* فعّاله – фаол аёл] Ижтимоий-ташкилий ишларда ва меҳнатда берилиб иш-

лайдиган (қатнашадиган) аёл. *Норбуви деб аталувчи бу хотин — қишлоқнинг фаоласи, кўп йиллардан бери жамоат ишларида ишлайди..* Ҳ. Шамс, Душман.

ФАОЛИЯТ [*а.* فعّاليّت — ҳаракатчанлик; таъсирчанлик; самарадорлик] **1** Бирор соҳада олиб бориладиган иш, машғулот, ҳаракат. *Ижодий фаолият. Сиёсий фаолият. Ижтимоий фаолият. Нутқий фаолият.* ▬ *Шоир ўз ижодий фаолиятида янги дунё яратувчи кишилар тўғрисида куйлаб келди.* Н. Сафаров, Очерклар. *Бернора Қориева ўз фаолияти давомида жуда кўп қувончли, ҳаяжонли кунларни бошидан кечирди.* «Саодат».

2 Шундай иш, ҳаракат жараёни. *Юракнинг фаолияти.* ▬ *Организмнинг нормал ҳаёт фаолияти учун оқсил, ёғ, углеводлардан ташқари витаминлар ҳам зарур.* «Саодат». *Кўк чой киши руҳини тетик қилиб, иш фаолиятини яхшилайди.* «Фан ва турмуш».

ФАОЛИЯТСИЗ Бирор ишга берилиб қатнашмайдиган, астойдил ишламайдиган; нофаол. *Фаолиятсиз ходим.* ▬ *..магазин директори М. Носировнинг фаолиятсизлиги кўрсатиб ўтилди.* Газетадан.

ФАОЛИЯТСИЗЛИК Иш-ҳаракатда сустлик, берилиб ишламаслик, ҳаракатсизлик. *Фаолиятсизлиги учун танқид қилмоқ.*

ФАОЛЛИК Меҳнатда ёки бирор ҳаракатда, жараёнда жадаллик, жонбозлик кўрсатиш, ишчанлик; таъсирчанлик. *Ҳисобот кампанияси халқни оёққа турғизди, кенг омманинг фаоллигини ошириб юборди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ФАР *с. т.* Фара, ёритгич. *Троллейбуслар ёйларини бошларига олиб, уйқуга киришди. Кўчаларда машина фарлари порламай қолди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ФАРА [*фр.* phare < *юн.* Pharos — қадимги Мисрда Искандария яқинидаги, жуда катта маёғи билан машҳур булган Фарос ороли] Транспорт воситалари (автомобиль, локомотив, велосипед ва ш. к.)нинг олд қисмига ўрнатилган, қоронғида йўлни, иш бажарилаётган жойни ёритишга хизмат қиладиган электр фонарь. *Катта кўчадан келиб бурилган машина фарасидан тушган ёруғликдан Шералининг кўзи қамашди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Соҳилдаги трактор фарасини ёқиб, унга қаратди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ФАРАЗ [*а.* فرض — тахмин; мажбурият, бурч] Бирор нарса ёки масала юзасидан олдиндан, тахминан чиқарилган ҳукм, хулоса; тахмин, тахминий мулоҳаза. -*Фан учун тажриба ва фараз, қиёс ва таҳлил жуда зарур, — деди профессор.* А. Раҳмонов, Ҳурмат-эҳтиром. *Олим илмий фаразлар олдида қул бўлиб қолмаслиги керак.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

Фараз қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) тахмин, гумон қилмоқ. *Йўлчи унинг тоғасининг қизи эканини фараз қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улар қизни йигит деб фараз қилишибди.* «Эртаклар»; 2) ..деб ҳисобламоқ, билмоқ. *Элмурод бугунги машқни такрорлаш учун пулемётга ётар экан, генерал шошилмасликни таъкидлади: -Бизни бу ерда йўқ, деб фараз қилинг.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Фараз қилинг, бу ерда яшар ошиқ йигит — хаёли осмон.* «Ёшлик».

ФАРАЗАН [*а.* فرضاً — тахминан, фараз тарзида] *рвш. кт.* Фаразга асосланиб, фараз қилиб; тахминан. *Фаразан, чигитлар кирсайди тилга, Дердилар: -Шоҳидмиз гарчи минг йилга, Сира топмагандик шунча эътибор!* М. Шайхзода, Чорак аср девони. *Тимсоҳнинг умридир фақат уч минг йил, Уч нафас яшайди фаразан пашша.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ФАРАЗИЙ [*а.* فرضى — тахминий, фаразга асосланган] *кт.* Фаразга асосланган, тахминий; хаёлий. *Ўзбекистоннинг келажаги бу — фаразий бир нарса эмас. Фақатгина орзу эмас, реал ҳақиқатдир.* Газетадан.

ФАРАЗИЯ [*а.* فرضيّه — гипотеза, тахмин] *айн.* **фараз, гипотеза**.

ФАРАНГ [*ф.* فرنگ — европалик, Европага, Францияга алоқадор] *эск.* **1** *айн.* **француз**. *Фаранг тилига ҳам уста деб эшитаман.* К. Яшин, Ҳамза. *Ким фарангу, ким ҳабаш, Ирқ талаш, имон талаш.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Европалик, Европадан келган. *У [Ғуломжон] комитет аъзолари билан маслаҳатлашиб, хуфтондан кейин ёнида тўртта фаранг йигит билан уста Баҳромникига келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *с.т.* Францияда, Европада тайёрланган; Франциядан, Европадан келтирилган. -*Кампирнинг дарди ғўзада дегандек, сиз косибларнинг дардингиз мум, чарм, фаранг ипда, — деди кулиб ака Наврўз.* М. Осим, Элчилар. *Милтиқ босса, қистаб чиқар фаранг ўқ, Ўзингиздан ҳар вақт менинг кўнглим тўқ.* «Ҳасанхон».

Фаранг милтиқ (*ёки* **тўппонча**) *эск.* Пиликли милтиқдан фарқланадиган, патрон билан ўқланадиган милтиқ. *Елкасида фаранг милтиқ таққан Ҳайдар мерган қўлида бургут қўндириб бормоқда эди.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси. *Кумуш қуббалик қадалган сербар камарида.. Худоёрхон туҳфа қилган фаранг тўппонча осилиб турарди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. **Фаранг рўмол** Ипак рўмолнинг юпқа, енгил ва товланиб турадиган бир тури. *Майна бошига ташлаб олган ҳарир фаранг рўмолининг икки учини тутиб, очиқ деразадан Ҳабиба хонимни кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 *кўчма* Ҳар бир иш қўлидан келадиган; моҳир, уста. *Устози — гаранг, шогирди — фаранг.* Мақол. ▬ *Аҳлиямиз [хотиним] ҳам уччига чиққан чевар, худога шукур. Ожизамиз ҳам дўппи тикишга фаранг бўлиб чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *-Ҳа, Азизжон.. ўзинг ҳам фаранг жарроҳ бўпсан-да, — дейди Комил ака.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

Устаси фаранг 1) ўз ишининг моҳири, устаси. *Собирбой, мулла Жуманиёзни яхши биламан, у устаси фаранг йигитлардан, уни алдаб бўпти.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Дивизионда Шариповни «устаси фаранг» мўлжалчи, мерган тўпчи дейишади-я.* Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) *кўчма салб.* юлдузни бенарвон урадиган, олғир. *У ойга човут соладиган устаси фаранглардан.* «Муштум». *-Саидов, жудаям устаси фаранг бўлибсан-а! — деб кулишди Иброҳимга.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ФАРАНГИ(Й) [*ф.* فرنگی — Франция, Европага оид] Францияда (ёки Европада) ишлаб чиқарилган, тайёрланган ёки ўша ҳудудга мансуб (маҳсулот). *Фаранги соат. Фаранги товуқ. Фаранги ип.* ▬ *Хуржун ортилган эшакни қишлоқма-қишлоқ олдига солиб бориб: «Фаранги ип, ироқи совун, оқ сақич, қора сақич!» деб қичқирадиган аттор ҳам бедарак йўқолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бундан роса ўн йил бурун мана шу болохонадаги қазноқда тухум босиб ётган фаранги товуқ, бирданига қоқолаб, том орқасига — Собиржон қорининг боғига учиб тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ФАРАНГИСТОН [*ф.* فرنگستان] (Ф — *катта*) *эск.* Франция, Европа.

ФАРАҲ [*а.* فرح — шодлик, хурсандлик; шодиёна, қувноқлик] *поэт.* Шодлик, хурсандлик туйғулари; вақтичоғлик, севинч. *Дўстлик бу — муҳаббат янглиғ фараҳким, Билгай у на ҳадни ва на довонни.* А. Орипов, Йиллар армони. *Шу Ватанга фарзандман, она! Қалбим чексиз фараҳга тўлур.* М. Али, Боқий дунё.

ФАРАҲБАХШ [*а.* + *ф.* فرح‌بخش — фараҳ, шодлик, қувонч бағишловчи] *кт.* Шодлик, қувонч бахш этадиган, кўнгил очадиган; ёқимли. *Дунёда ҳамма оҳанглар орасида энг ёқимли, фараҳбахш оҳанг — она алласи таралаяпти.* Газетадан. *Кўклам энди бошланган, бизнинг томорқамиздаги ўрик дарахтлари гуллаб, ўз чечаклари билан боғчага фараҳбахш тус бергандилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ФАРАҲЛИ *айн.* **фараҳбахш.** *Фараҳли тонг.* ▬ *Кўп фараҳли бўлар эди ёғин эртаси, Қулф урарди лола — тоғнинг сўлим эркаси.* Х. Салоҳ. *Она-Ер! Нақадор фараҳли дунё, Мовий уфқларда ўйнар кўзларим.* Ж. Жабборов, Қуёш юрти. *Назарнинг ҳаётида бундай безавол, фараҳли кечалар жуда кам бўларди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ФАРАҲЛИК 1 *кт.* Фараҳ, қувончга тўлалик, дилраболик. *Муҳаббатли, тотимли бўлди турмуш, Келиб шодлик, фараҳлик, кетди ташвиш.* Ҳабибий, Девон.

ФАРАҲМАНД [*а.* + *ф.* فرحمند — шод, қувноқ, хушҳол] *айн.* **фараҳнок.** *Келиб жилмайди Хисрав, бўлди хурсанд, Бугун мақсадга еткандек, фараҳманд.* Ҳабибий, Девон.

ФАРАҲНОК [*а.* + *ф.* فرحناک — қувноқ, хушчақчақ] *эск. кт.* Дилхуш, хушҳол, хурсанд. *Фараҳнок бўлмоқ. Фараҳнок қилмоқ.*

ФАРД [*а.* فرد — бир, битта, якка, ёлғиз] *эск. кт.* **1** Якка, ёлғиз, танҳо. *Ўзи шамсиз туриб, ота-онага чироқ ёқишни асло тасаввур қилолмас.. яъни истиқбол Анварнинг фард ҳаётида ёлғиз муҳаббат эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *ад.* Шарқ мумтоз шеъриятида бир байт (икки мисра)дангина иборат бўлган кичик, мустақил шеър. *Лутфий девонидаги битилган фардлардан 450 дан ортиғи бизгача етиб келган.* «Фан ва турмуш».

ФАРЁД [*ф.* فریاد — бақириқ, ҳайқириқ, дод-вой, нола] Ниҳоятда хафалик, руҳий азоб, алам кабилар таъсирида ўзини тутолмай ўкириб йиғлаш, дод солиб йиғлаш, додлаш. *Фарёд қилмоқ (этмоқ, айламоқ).* ▬ *Бу ниҳоясиз дарднинг фарёдига ўхшар, бу фарёдда тирик жоннинг чидаб бўлмайдиган*

аччиқ азоби эшитилар эди. А. Мухтор, Асарлар. *Фарзандин қабрида она жигархун, Унинг фарёдидан дунё ғамхона.* А. Орипов, Йиллар армони.

ФАРЗ [*а.* فرض — фармойиш, амр, кўрсатма] *дин.* **1** Шариатда барча мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган диний амаллар. *Ҳаж исломий фарзларнинг бешинчиси ва сўнггисидир.* Газетадан. *..мусулмонлар учун худонинг айтгани фарз бўлиб, унга шак келтириш, ундан зорланишнинг ўзи ҳам гуноҳ ҳисобланади.* «ЎТА».

Фарзи айн *дин.* Барча мусулмонлар билиши, бажариши шарт бўлган асосий қоидалар ҳамда шундай қоидалар ёзилган тўплам. *Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўп, аммо фарзи айннинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрай олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширар, фарзи айнни билмаганларни урдирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бажарилиши зарур бўлган ахлоқий-маънавий вазифа, бурч. *Ёшнинг ҳурмати — қарз, қарининг ҳурмати — фарз.* Мақол. *Қарз, қарзни бериш фарз.* Мақол. ▬ *Кексалардан кўнгил сўраб туриш, кези билан кўмак бериш ёшларга фарзу қарз.* Газетадан.

ФАРЗАНД [*ф.* فرزند — бола, ўғил-қиз; насл] Битта ота-онадан дунёга келган бола; ўғил ёки қиз (ота-онага нисбатан); бола. *Фарзанд азиз, одоби ундан азиз.* Мақол. *Давлатнинг боши — фарзанд.* Мақол. *Ота-онанг — давлатинг, Фарзандларинг — савлатинг.* Мақол. ▬ *Фарзанд — бу келажак, фарзанд — ўтган аждодларни келажак авлодлар билан абадий боғлайдиган ҳалқа.* К. Яшин, Ҳамза. *Асрорқул фарзанд кўрди.. боланинг отини Ёдгор қўйди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 *кт. кўчма* Ўз Ватани ёки халқига манфаат келтирадиган, унга астойдил хизмат қиладиган киши; ватанпарвар, элсевар. *Ватаннинг содиқ фарзандлари. Миллат фарзанди.* ▬ *Мустақил давлат фарзанди эканлигимдан бошим осмонга етди.* Газетадан.

3 *кўчма* Бирор жамоа, ижтимоий-сиёсий, ғоявий гуруҳ, ҳаракат ёки ҳудудга мансуб, унга алоқадор шахс. *Мусулмон фарзанди.* ▬ *-Мусулмон фарзандисиз, дилингиздаги васвасани ҳайданг.* К. Яшин, Ҳамза. *Қайлардадир фисқу фасод, ҳасад, хусумат Инсоният фарзандларин тортмоқда дорга.* А. Орипов, Йиллар армони.

4 *кўчма* Бирор маънавий, руҳий фаолият маҳсули. *Шеър — илҳом фарзанди. Ақл — эҳтиёж фарзанди.*

ФАРЗАНДЛИ Фарзанди бор, фарзанд кўрган; болали. *Фарзандли аёл.* ▬ *Фарзандли уй доим бўлар лолазор..* «Эрали ва Шерали». *Дугонамнинг ўғли бир қиз билан севишиб, турмуш қурдилар, фарзандли бўлдилар.* Газетадан.

ФАРЗАНДЛИК Фарзанд мақомида бўлиш, фарзанднинг бурч ва мажбуриятларини адо этиш; бирор кимсага фарзанд бўлиш. *Фарзандлик бурчи. Фарзандлик саломи.* ▬ *Биз фарзандлик бурчин ўйлаб, танладик аъмол.* А. Шер, Қадимги куй.

Фарзандлик қилмоқ Кимсага ўғил ёки қизлик бурчини адо этмоқ. **Фарзандликка бермоқ** Ўз боласини (ўғил ёки қизини) бировга бутунлай фарзанд қилиб, унинг тарбиясига топширмоқ. [*Шоқосим*] *Хўжайинлар тоифасида инсоф йўқлигидан.. бировга фарзандликка берган ўғлини кўриб келишга ҳам вақт тополмаганидан, умуман, ярали кўнгилнинг додидан бир-бир баҳс очди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Фарзандликка олмоқ** (*ёки* **қабул қилмоқ**) Бировнинг боласини ўзига бутунлай фарзанд (ўғил ёки қиз) қилиб, ўз тарбиясига қабул қилмоқ. *Ёмонликни йиғиштириб қўйди-да, Фарзандликка қабул қилди меҳмонни.* «Юсуф ва Аҳмад».

ФАРЗАНДСИЗ Фарзанди йўқ; бефарзанд, боласиз. *Иккови ҳам катта бўлди. Бойсари — бой, Бойбўри шоҳ эди. Иккови ҳам фарзандсиз бўлди.* «Алпомиш». *Эрининг фарзандсиз бева аммаси уни* [*Мунисни*] *жуда совуқ кутиб олди.* С. Аҳмад, Хотин.

ФАРЗАНДСИЗЛИК Боласи йўқлик, фарзандга зорлик, муҳтожлик. *Йўлдош самоварчи Ғозибек келгач, унга фарзандсизлик доғи, ёлғизқўлликнинг азобидан хўб ҳасрат қилди.* Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида.

ФАРЗАНДТАЛАБ [фарзанд + талаб] Фарзанд кўришни, болали бўлишни истовчи; болага муҳтож бўлган. *Сиз туғмас экансиз, бахтингиз боғланган, фарзандталаблар менинг дуом билан тўққиз ой деганда фарзанд кўрадилар.* К. Яшин, Ҳамза.

ФАРЗИН [*ф.* فرزین — қиролича, ферзь] Шахмат ўйинида энг кучли дона, сипоҳ. *Фарзинни юрмоқ.* ▬ *Азимов қора фарзинни*

қўлида бир оз ушлаб туриб, тақиллатиб босди-да, «Шах!» деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ФАРЗОНА [*ф.* فرزانه – доно, ақлли, олим, билимли] *поэт.* Кўп нарсадан хабардор; оқил, донишманд, зийрак. *Одам аҳлин қадрини фарзона бир одам билур.* Ҳабибий, Девон. *Ҳабибий, ўйла, ғофил – ғофилу, фарзона – фарзона.* Ҳабибий, Девон. *Яйратар қирқ кокилин, фарзона қизлар хушқилиқ.* А. Орипов, Ҳайрат.

ФАРИНГИТ [*юн.* pharynx, pharyngos – ҳалқум] *тиб.* Ҳалқум шиллиқ пардасининг яллиғланиши.

ФАРИШТА [*ф.* فرشته – малак, ҳур, ғилмон] **1** Исломда ва б. баъзи динларда худонинг амрини бажарувчи ғайритабиий мавжудот; малак (фаришталар сон-саноқсиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажаради). *Баъзи ривоятларга қараганда, фаришталар жаннатдаги кавсар сувидан.. қумғонларимизга қуйиб кетар эмиш.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Фаришта, малойиклар – нурдан, сиз билан биз лойдан яратилган.* «Маликаи айёр».

2 *кўчма* Яхши хулқ-атворга эга бўлган ва гўзал (кўпинча аёллар ҳақида). *Бу хотин тўғрисида мулла Норқўзи шундай фикрда: агар фаришта илгари ўтган бўлса – шунинг онаси, энди туғилса – шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида бўлса – шу хотиннинг ўзи.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Во ажабо! Бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офатижон фариштами?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 *кўчма* Файз, зийнат. *Аёлнинг сариштаси – рўзғорнинг фариштаси.* Мақол. ▬ *Ҳа, ота – кўча кишиси, она уй фариштаси бўлар экан.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

4 *кўчма* Покиза, мусаффо; бегуноҳ. *Ажойиб одамсан-да, дўстим, ажойибсан, фариштасан.* Шукрулло, Сайланма. *Шу кунгача Равшан ўзини ҳалолман деб фаришта санаб юрди.* «Ёшлик».

Фариштаси бор Жозибали, файзли. *Эсон Давлат бегим суратни қўлга олди ва Навоий тасвирига беихтиёр қизиқиб: -Юзларида фаришталари бор зот эканлар, – деб қўйди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Фариштаси йўқ** Ўзига жалб қиладиган фазилати, кўрки йўқ; хосиятсиз. *Фариштаси йўқ уй.* ▬ *Куёвнинг юзида фариштаси йўқ, Ҳожархон, фариштаси йўқ. Кўнгилга хуш келмаган никоҳ худога хуш келмайди!* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Иблис устозларингнинг фариштаси йўқ китобларини ёндириб, кулларини кўкка совурдим.* К. Яшин, Ҳамза. **Фариштаси қочмоқ** Файзсиз, кўримсиз бўлиб қолмоқ; қутбаракаси йўқолмоқ. *Лекин ёлғизлик баттар эзди. Уйдан фаришта қочган, табассум ўчган эди.* А. Мухтор. Асарлар. *Бешвақт намозни канда қилма! Бўлмаса, уйингдан фаришталар қочади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Супурилмаган ҳовлидан фаришта қочади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ФАРИШТАЛИ 1 Файзли; сербарака. *Сариштали уй – фариштали уй.* Мақол.

2 *кўчма* Ёқимли, жозибали; ҳалол, покиза. *Бай-бай-бай, бу Ўтар бобо бағоят фариштали одам эканлар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Фариштали одам, деб шунақаларни айтса керак-да, а?* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ФАРИШТАСИЗ Кишини ўзига тортмайдиган; кўрксиз, ёқимсиз; файзи йўқ. *Фариштасиз одам. Фариштасиз ҳовли.*

ФАРМАКОГНОЗИЯ [*юн.* pharmakon – дори + gnosis – билиш, ўрганиш] Фармациянинг ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинадиган доривор маҳсулотлар ва уларни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган моддаларни ўрганувчи бўлими.

ФАРМАКОЛОГ *тиб.* Фармакология мутахассиси; доришунос. *Хизмат қилувчи фармакологлар мижозларга «яхши дорихона»дан қандай фойдаланиш тўғрисида маслаҳат беришади.* «Фан ва турмуш».

ФАРМАКОЛОГИК Фармакологияга оид.

ФАРМАКОЛОГИЯ [*юн.* pharmakon – дори + logos – билим, тушунча] Дори-дармон маҳсулотларининг организмга таъсирини ва дориларни қўллашнинг усул ва тамойилларини ўрганадиган ва белгилайдиган фан; доришунослик. *Кимёдаги бу алкалоидшунослик тиббиёт, фармакология соҳаларининг ривожланишига ёрдам берувчи янги фан бўлиб қолди.* Газетадан.

ФАРМАКОТЕРАПИЯ [*юн.* pharmakon – дори + терапия] Касалликларни дори-дармон билан даволаш.

ФАРМАЦЕВТ [*юн.* pharmakentes – дори тайёрловчи] Фармацевтика, доришунослик бўйича олий (провизор) ёки ўрта (провизор ёрдамчиси) маълумотга эга бўлган до-

рихона ходими; фармацевтика мутахассиси; доришунос. *Дорихонага кирдим, фармацевт қиз билан танишдим, исми Малика экан.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Шифокор ва фармацевтга энг азиз нарса.. кишиларнинг ҳаёти, соғлиги ишониб топширилган.* Газетадан.

ФАРМАЦЕВТИКА [*юн.* pharmakon – дори] *айн.* **фармация**. *Қолаверса, илон заҳари фармацевтикада қимматбаҳо хомашё экани ҳам яхши маълум.* «Фан ва турмуш». *Чаканда мевасидан фармацевтика саноатида мой олинади.* Газетадан.

ФАРМАЦИЯ [*юн.* pharmakeia < pharmakon – дори, дори-дармон] Янги дори-дармонлар қидириб топиш, уларни қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш ва беморларга тавсия қилиш бўйича илмий ва амалий билимлар соҳаси; доришунослик.

ФАРМОЙИШ [*ф.* فرمايش – буйруқ, буйруқ бериш; буюртма] *кт.* Бирор чора-тадбир ёки ишнинг бажарилиши ҳақида бериладиган буйруқ, топшириқ, кўрсатма. *Фармойиш бермоқ. Фармойиш олмоқ.* ▬ *Амирзодам, ҳар бир дақиқа ғанимат. Хос навкарларингиз отланган. Ҳаммаси фармойишингизга мунтазир.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Назар тракторчига янги фармойиш берди-да, руҳсиз бир аҳволда машинага ўтирди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ФАРМОН [*ф.* فرمان – амр, ҳукм; кўрсатма; қатъий қарор] **1** Бирор ишнинг бажарилиши ҳақида бериладиган буйруқ, ҳукм, топшириқ; амр. *Фармон бермоқ. Фармон чиқармоқ. Борники – фармон билан, Йўқники – армон билан.* Мақол. ▬ *У фармон кутиб, хонга юзланди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўлмас мастон қирқин қизига фармон қилди.* «Маликаи айёр».

Фармони олий Подшоҳ ёки хон томонидан берилган фармон. *Сарой вазири ноилож бош эгиб, фармони олий ҳозирлагани чиқиб кетди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Ҳокимият олий органи ёки давлат бошлиғининг қонун кучига эга бўлган буйруғи, фармойиши. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фармони.*

ФАРМОНАЧИ *тар.* Подшоҳ, хон ёки амирнинг фармонини халққа маълум қилувчи мансабдор. -*Фармоначи от чопиб, қайнатамиз Исломхўжа ҳазрат ҳовлисига келиб, марҳумнинг бола-чақаларини огоҳ этди, – дейди хон.* Мирмуҳсин, Чўри.

ФАРМОНБАРДОР [фармон + بردار – итоат қилувчи, бўйсунувчи] **1** Буюрилган ишни бош товламай бекам-кўст бажарадиган, бировга сўзсиз қулоқ соладиган; итоаткор. *Келин итоаткор, фармонбардор бўлади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Фармонбардорлар Равшанни судраб, Самарқанд дарвоза томон юришди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Ҳамиша хизматга тайёр, илтифотли. *Аммо оғаси буюрган ишни... адо қилувчи бир фармонбардор йигит.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ўзингиз биласиз, мен бир фармонбардорман, сиз ҳар нима амр қилсангиз, шуни қиламан.* «Гўруғлининг туғилиши».

3 *салб.* Хушомадгўй, лаганбардор. *Директор ва унинг фармонбардорлари буларнинг бирини «ёш», бирини «нўноқ».. деб ишдан бўшатдилар.* Газетадан.

ФАРМОННОМА [фармон + нома] *кам қўлл.* Ёзма равишда берилган фармон, ёзма буйруқ. *«Фармоновдан таклифнома чиқмайди, фармоннома чиқади..» – деб кўнглидан ўтказди уста.* Мирмуҳсин, Созанда.

ФАРМОНОМУЗ [фармон + *ф.* آمیز – каби, ўхшаган] Буйруқ оҳангида, буйруққа ўхшаган. *Элликбоши яна ўшқириб, фармономуз гаплар айта бошлади.* Мирмуҳсин, Чўри.

ФАРМУДА [*ф.* فرموده – буюрилган] Буюрилган, буюртма; қўшалоқ сомса. *Фармуда сомса.* ▬ *Жигару буйрак, думба ёғдан тайёрланган, қўшалоқ фармуда сомсалар.* «Ёшлик».

ФАРОВОН [*ф.* فراوان – мўл, жуда кўп, ортиқ, зиёда] **1** Ҳар жиҳатдан тўла-тўкис таъминланган, ҳамма нарсаси мўл-кўл; тўқ. *Фаровон ҳаёт.* ▬ *Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Аёл бор жойда меҳнат мазмунли, фарзандлар бахтиёр. Оила фаровон ва аҳил.* «Саодат».

2 Кўп миқдорда мавжуд бўладиган; мўл-кўл, сероб. *У томонларнинг* [*қишлоқнинг*] *биринчи ва фаровон меваси узум эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Бу сирни кўриб, жа [жуда] бўлдим ҳайрон, Ҳай десам, келурми сўзлар фаровон.* «Муродхон».

3 *кўчма* Обод, яшнаган, бахтиёр. *Фаровон ҳаёт бу – гўзал турмуш, осуда, серфайз ҳаёт демакдир.* Газетадан. *Фаровон қишлоқ-*

лар, обод шаҳарлар, Нур билан балқиган оппоқ саҳарлар. Ж. Жабборов, Тоғлар садоси.

ФАРОВОНЛИК Тўкин-сочинлик, мўлкўлчилик; серфайз ҳолат. *Яхшилик ва фаровонлик илдизи илм билан ривожланади.* Газетадан. *Ҳалол ва самарали меҳнат бор жойда фаровонлик ҳам барқ уриб ривожланади.* «Фан ва турмуш».

ФАРОИЗ, фаройиз [*а.* فرائض – ҳисоб, ўлчов] *тар.* **1** Ернинг ҳажмини ўлчаш билан шуғулланувчи, ҳисоб-китобларга оид соҳа (фан). *Рост, илм, риёзиёт ва фалакиётдин таълим берадурганлар йўқ, аммо мантиқ, фалсафа, фароиз [ерўлчов] илми равнақ топган.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Домланинг айтишига кўра, биз куздан бошлаб фароиз [ҳисоб] ва харита ўқишимиз керак эди.* А. Қаҳҳор, «ЎТА».

2 Фиқҳ илмида: бажарилиши шарт бўлган амаллар ҳақидаги бўлим, жумладан, шариатнинг меросни тақсим қилиш ҳақидаги қоидаларига оид билимлар.

ФАРОМУШ [*ф.* فراموش – унутиш; унутилган] Паришонхотир, хаёлчан, хаёли қочган ҳолатда, ўзини унутган ҳолда. *Онасининг саволига жавобан Севаргул фаромуш бош ирғаб, нохуш чимирилиб қўйди..* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Асрор деразадан ташқарига фаромуш, кайфиятсиз қаради: ҳалиям қор ёғяпти.* «Шарқ юлдузи».

Фаромуш бўлмоқ *эск. кт.* Хаёлдан кўтарилмок, эсдан чиқмоқ, унутилмоқ. *-Қайси гап? – деди хон чимирилиб, – нечукдир, хотиримдан фаромуш бўлибдур.* С. Сиёев, Аваз. **Фаромуш қилмоқ (***ёки* **айламоқ)** Унутмоқ, эсдан чиқармоқ. *-Ҳай мулло Солиҳ, яна бир гапни фаромуш қилибман! – деди ҳазрати мударрис.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ногоҳ ул паҳлавоннинг ҳовлисига борур йўлни фаромуш қилганимни сездим.* «Шарқ юлдузи». *Фаромуш айламас бир нафас халқинг, Магар юракларда қўёлсанг ҳайкал.* А. Орипов, Йиллар армони.

ФАРОМУШЛИК Паришонхотирлик ҳолати. *Ҳамма нарсадан хабардор бўлиб юрадиган комендантнинг фаромушлиги ўзига таъсир қилди.* «Ёшлик».

ФАРОМУШХОТИР [фаромуш + хотир] *эск. кт.* Бирор нарсани тез унутиб юборадиган; паришонхотир. *Фаромушхотир одам. Фаромушхотир бўлмоқ.*

ФАРОСАТ [*а.* فراست – самимият, зийраклик; заковат, ўткир ақл] Кишидаги тез ва тўғри фаҳмлай олиш қобилияти, сезгиси; фаҳм; заковат; дид. *Фаросатни бефаросатдан ўрган.* Мақол. *Тил – ақлнинг қиличи, фаросат – ғилофи.* Мақол. ▬ *Атиргуллар ҳовлиларга файз киритган – бу эса ҳовли эгасининг диду фаросатини кўрсатиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Болани тарбиялашга фаросати етмаган кишигина унинг устидан шикоят қилади.* Р. Усмонов, Одобнома.

ФАРОСАТЛИ Фаҳмли, ақлли, дидли. *Фаросатли одам.* ▬ *Ўзи жуда фаросатли, доно, достончи чол.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Баҳромбек оилада кўпроқ отасига тортган, хаёлчан, камгап, ишни пишиқ қиладиган, фаросатли ўғил эди.* «Ёшлик».

ФАРОСАТСИЗ Ақл билан иш тутмайдиган; фаҳмсиз, дидсиз; пала-партиш. *Фаросатсиз бола. Фаросатсиз – фалокатга йўлиқар.* Мақол. ▬ *Фаросатсиз, дидсиз, нодонда кўз доимо кўр, оёқ шолдир.* Нурбек, Умид йўли.

ФАРОҒ [*а.* فراغ – тугаш, якун; бўш вақт, ишдан холи вақт] *кам қўлл. кт. айн.* **фароғат.** *Ошифта Ҳабибийни ўз ҳолига қўймайдир, На бир дам олур ором, на лаҳза фароғ истар.* Ҳабибий.

ФАРОҒАТ [*а.* فراغت – дам олиш, бўш вақт, тинчлик, осойишталик, осудалик, роҳат] **1** Киши ором оладиган ҳол, шароит; осойишталик, тинчлик; роҳат. *Фароғатда яшамоқ. Фароғат қилмоқ. Уйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ.* Мақол. ▬ *Чолкампир бундай фароғатга қандай етишди? Ҳалол меҳнат, ҳалол лафз туфайли эришди.* «Муштум». *Қанча фароғат, қанча таровват, қанча латофат ва қанча маъно бор эди бу кўз қарашларда.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Фароғат (хотин-қизлар исми).

ФАРОҒАТЛИ Хотиржамлик, осойишталик бахш этувчи, ҳузур-ҳаловатли. *Фароғатли турмуш.* ▬ *Тоғ булоғи. Ёнига чўккаласанг, бир ҳовуч шаффоф сувидан симирсанг, сўнгра осуда, фароғатли лаҳзалар оғушида тин олсанг.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *У кечаги фароғатли дамларини яна эслади-ю, кўнгли кўтарилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФАРОҒАТСИЗ Ҳузур-ҳаловатсиз, тинчлиги, осудалиги бузилган. *Фароғатсиз кунлар.*

ФАРРОШ [*а.* فرّاش – хизматкор; малай; йиғиштирувчи; қоровул] **1** *тар.* Кўча-кўй, ҳовли ва боғларга сув сепиб, супуриб-сидириб юрувчи хизматкор; қоровул. *Ўнлаб фаррошлар ҳафсала билан ер супурган, мешкобчилар этакларини белбоққа қистириб, сув сепган.* С. Сиёев, Аваз. *Эшикда қари фаррош Ҳожи Солиҳ пайдо бўлди. У дарвишнамо, камтарин, хаёлчан киши эди.* Ойбек, Навоий.

2 Идора ёки муассасаларда хоналарни супуриб-сидирувчи ходим. *Фаррошларимиз етарли, ҳар куни пештахталар тозаланиб, хлор билан ювилади.* Газетадан. *Икки йилдан кейин бозорнинг фарроши унга одам қўйди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ФАРРОШЛИК Фаррош, супуриб-сидирувчи касби. *Жасура дарсгача бир жойда фаррошлик қилар экан.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Меҳнат фаолиятини шу ерда фаррошликдан бошлаган эди.* М. Муҳамедов, Қилни қирқ ёриб.

ФАРСАНГ [*ф.* فرسنگ] *эск. кт.* Эскича ҳисобда бир тош; саккиз чақирим, янгича ҳисобда тахминан 6 километрга тенг бўлган узунлик (масофа) ўлчови. *Ҳусайн Бойқаро лашкари Мирзо Ёдгорнинг йигитларини бир неча фарсанг масофагача қувиб, асирлар билан қайтдилар.* Ойбек, Навоий. *Воҳанинг узунлиги нари борса – уч-тўрт фарсанг, кенглиги, кўп бўлса, бир фарсанг келар.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

ФАРСАХ [*а.* فرسخ] *айн.* **фарсанг.** *Қишлоқдан чиқиб, бирор фарсах йўл босилгач, офтоб қиздириб, лоҳас қилди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Жаҳонда Фурқат каби тентимадим бемурод, Ватан тупроғин аммо кездим фарсах ва фарсах.* А. Орипов, Ҳайрат.

ФАРТУК [*нем.* Vortuch – бирор нарса олдидаги бир парча мато] **1** Одатда кийимни ифлос қилмаслик учун унинг устидан кийиладиган ёки иш пайтида белга боғлаб олинадиган иш кийими; пешбанд. *Бошида моғор босган эски дўппи, олдида шакар қопдан тикилган фартук.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тўрдаги стол ёнида хат ёзиб ўтирган оқ фартукли хушрўйгина қиз дафтардан бошини кўтариб: -Келинг, хизмат? – деб сўради.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.

2 Ўқувчи қизларнинг расмий мактаб кийими устидан кийиладиган оқ ёки қора рангдаги енгил кийими. *Ҳаворанг штапель кўйлак устидан оқ фартук кийган бир жажжи қиз олтинчи «В» синфининг қўштабақа.. эшиги олдида бир оз аланглаб турди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

3 *с. т. айн.* **этак 2.** *Иззатулла ўрнидан туриб, бир фартук пахта кўтариб келаётган Шоира исмли котиба қизга пешвоз чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ФАРФОР [*ф.* فغفور – чинни буюмлар] Оқ лойнинг энг аъло навидан турли аралашмалар қўшиб, сунъий тайёрланадиган минерал масса ва ундан ясаладиган чинни буюмлар. *Фарфордан ясалган ваза. Фарфор идишлар.*

ФАРШ [*а.* فرش – уй жиҳозлари: гилам, палос, бўйра]: **фарш қилмоқ** *эск. кт.* Ҳовли, йўлка ва ш.к. га тош ёки ғишт ётқизмоқ. *Пишиқ ғишт билан фарш қилинган ҳовли.*

ФАРҚ I [*а.* فرق – ажралиш, узоқлашиш; айрилиқ, жудолик] Нарсалар орасидаги номувофиқлик, ноўхшашлик; айирма, тафовут. *Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор.* Мақол. ▬ *Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, икковларинг ҳам боламизнинг қўшоғи – боламизсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хаёл билан ҳаёт орасидаги фарқ қанчалик калта бўлишини Бобур энди билди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Илм билан амал ўртасида катта фарқ бор.* С. Зуннунова, Олов.

Фарқ қилмоқ 1) бирор предметни, воқеа-ҳодисани унинг ўзига хос хусусиятларига кўра бошқаларидан ажрата билмоқ, улар орасидаги тафовутни сеза олмоқ. *Айниқса.. Элмурод бу ҳолатни бошқалардан кўра кўпроқ фарқ қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ўзининг бирор хусусияти билан бошқалардан ажралиб турмоқ. *Писмиқ, телба фарқ қилар, Тинч оққан сув ғарқ қилар.* Мақол. ▬ *Куйганёрнинг табиати бошқа жойлардан фарқ қилар эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Масал лирикадан ўзининг воқеабандлиги билан фарқ қилади.* «ЎТА». **Фарқига бормоқ** *айн.* **фарқ қилмоқ**. *Чой навларининг фарқига бормоқ.* ▬ *Аслида Аҳмад ёқут нима, дур, бриллиант, марварид нима, унчалик фарқига бормасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Жувон бу гапни ҳазил аралаш айтдими, чин айтдими, Сидиқжон фарқига боролмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ФАРҚ II [*а.* فرق] Сочнинг икки томонга тарашдан бошда ҳосил бўладиган йўл,

чизиқ. *Фарқ очмоқ. Фарқни қийшиқ очмоқ.* ▬ *Қутлуғ Нигор хонимнинг ранги хиёл ўчган. Унинг пешонасидан юқорида — сочининг фарқ очилган жойида Бобур бир тутам оқарган соч толаларини кўрди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Зулайҳо икки кафти билан сочларининг фарқини очиб, бошини кўтарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФАРҚЛАМОҚ Бирор нарсани иккинчисидан ажрата билмоқ, фарқига бормоқ. *Кеча ва кундузни барча кўзи очиқ одамлар фарқлайди.* «Саодат».

ФАРҚЛАНМОҚ 1 Фарқламоқ фл. мажҳ. н. *Юлдузлар бир-бирларидан ўзаро фарқланадилар.* ▬ *Янтоқлар бир-биридан ташқи кўриниши, барглари, тиканларининг узунлиги билан фарқланади.* «Фан ва турмуш».

2 *айн.* **фарқ қилмоқ 2** (*қ.* **фарқ** I).

ФАРҚЛИ Бирор белги-хусусияти билан бошқасидан ажралиб турадиган, фарқланадиган, тафовут қиладиган, фарқи бор. *Гарчи бу икки эгачи-сингил бир қориндан талашиб тушган бўлсалар ҳам, бир-бирларидан фарқли эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Зағчакўз*] *Қамишкапаликларни.. таҳқир қилар ва уларнинг шаҳарликларникидан анчайин фарқли бўлган шева ва тилларини масхаралар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ФАРҚЛОВЧИ 1 Бирор нарса ва ҳодисани бошқасидан фарқлашга, ажрата олишга хизмат қилувчи. *Фарқловчи маъно. Фарқловчи белги.*

2 Фарқига борувчи. *Ақлли, доно кишилар, яхши-ёмонни фарқловчилар.. инсоний фазилатларларни яхши биладилар.* Газетадан.

ФАРҚСИЗ Фарқи йўқ, тафовутсиз. *Фарқсиз уйлар. Бу менинг учун фарқсиз.* ▬ *Улар худди эгизаклардек, чеҳралари бир-бирларига ғоят ўхшар, гавдалари қарийб фарқсиз, кўринишдан ювош одамлар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ФАРҒОНАЧА 1 Фарғонага, фарғоналикларга хос, Фарғонада бўладиган, Фарғона ҳудудига дахлдор. *Фарғонача ашула. Фарғонача тўн.*

2 Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.

ФАС [*а.* فاس — Марокашдаги Фас шаҳри номидан; ушбу бош кийим дастлаб шу ерда тайёрланган] Баъзи шарқ мамлакатларида кийиладиган, попук қадалган кесик конус шаклидаги бош кийим; ҳожи дўппи. *Вазир бахмал фас кийган.* «Шарқ юлдузи». *Абдулвоҳид кичкина, чўзинчоқ бошидаги тоза, кўркам саллани қозиққа илди-да, эски айниган фасни — «ҳожи дўппи»ни кийди.* Ойбек, Нур қидириб.

ФАСАД [*фр.* facade < *итал.* facciata — олд] *архит.* Уй, бинонинг олд томони. *Халойиқ гуруллаб, фасаддаги сингари чироқлар билан ёритилган фойега ва ундан уч эшик орқали залга кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ФАСИҲ [*а.* فصيح — гапга чечан, сўзамол, нотиқ] Равшан, равон, аниқ, ёқимли; адабий (нутқ ҳақида). *Аммо маърузангиз бисёр фасиҳ ёзилган эркан, ўқуб ҳузурлар қилдим.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Таржималари оригинал даражада фасиҳ ва мукаммал.* F. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ФАСЛ [*а.* فصل — бўлим, қисм; йил вақти, мавсум; бўлиниш] **1** Бир йилни ташкил этадиган тўрт мавсумнинг бири (қиш, баҳор, ёз, куз). *Тошкентда уч фасл ёз: Баҳор — шошган ички ёз. Ёз — катта ва асл ёз. Куз — кечиккан кечки ёз.* М. Шайхзода, Тошкентнома. *Ҳар фаслнинг ўз хислати бор. Ҳар фаслнинг — ўз фазилати..* Уйғун. *Ҳар фаслнинг ўз ҳусн-латофати бор, деган гапни йил фасллари тўғрисидагина эмас, умр фасллари тўғрисида ҳам айтса бўлар экан.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Уйғониш фасли *кўчма* Эрта баҳор. *Аён бир хислатинг бордир азалдан, Сени атамишлар уйғониш фасли.* А. Орипов, Йиллар армони. **Фасли баҳор** *кўчма* Умрнинг энг яшнаган, камолга етган даври. *Ҳожихоннинг фасли баҳори ҳам, ҳусну малоҳати ҳам, кучу қуввати ҳам тугалишга қараб юз тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *эск.* Асарнинг бирор боби, қисми. *Китоб тўрт фаслдан иборат.* ▬ *Бу боришдан* [*Отабек*] *бирор иш чиқара олдими, йўқми, бу тўғрида биз келаси фаслларнинг бирида ўрганармиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар ўлтирганда наҳот бир ҳикоя ёки бирон романнинг бир фаслини битиролмасам.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *кўчма* Вақт, муддат, давр. *Ўт соласан қалбимга, эй гул, Севги фасл танламас экан.* Ж. Жабборов, Тоғлар садоси. *Севишмак гўзал фасл, севги ёшлик муттасил.* Fайратий.

Бир фасл Бирпас, бир оз. *Бир фасл жим бўлган меҳмонхона ичида яна тапир-тупур, тўполон бошланди.* С. Айний, Қуллар. *Жа-*

ноблари бир фасл ўтириб турсалар, ҳозир олиб чиқаман. «Олтин бешик».

ФАСОД [*а.* فساد — чириш, йиринглаш; бузуқлик, ахлоқсизлик] **1** Тирик организмнинг яллиғланиши, чириши туфайли вужудга келадиган қўланса ҳидли сарғиш-кўкиш қуюқроқ суюқлик; йиринг. *Фасод боғлаган яра. Яранинг фасодини чиқармоқ.* ▬ *Дифтерит касаллиги юзага чиққанда, томоқда оқ фасод пайдо бўлади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Фасодни сиқиб чиқараман, деб ярани газак олдириб қўйдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Фасод олмоқ 1) фасод боғламоқ, йиринглрмоқ. *Яра фасод олди;* 2) *кўчма* оғирлашмоқ, мураккаблашмоқ. *Иш фасод олди.*

2 *кўчма* Фитналик билан қилинган ғийбат, иғво. *..пойтахт осойишталигини бузган аҳли фитна ва фасод ҳам жазодан холи қолмаслиги лозим.* Ойбек, Навоий. *Ўзаро талашлар, фитнаю фасод Меҳнатни, савдони, қўшиқни эзди.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

3 *кўчма* Ярамас, чиркин. *Туркистондан дарҳол қочиш каби фасод хаёлларга бормайлик.* К. Яшин, Ҳамза.

ФАСОДЛАМОҚ 1 Газак олиб, фасод ҳосил қилмоқ, фасод боғламоқ, йиринглaмоқ (яра ҳақида).

2 *кўчма* Оғирлашмоқ, чигаллашмоқ (иш, жиноят ҳақида).

ФАСОДЧИ Бузғунчи; ғийбатчи, бўҳтончи. *Амир Темур айни вақтда қонунбузарларни, ўғри ва қароқчиларни шафқатсиз жазолатган, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатидан ҳайдатган.* Газетадан.

ФАСОН [*фр.* facon] **1** Кийим, пойабзал ва ш.к. нинг бичими, ташқи кўриниши, шакли, модели. *Янги фасонда тикилган туфли.* ▬ *Мижоз фасон танлагандан кейин, ундан ўлчовлар олинади ва бир неча соатдан сўнг кийим тайёр бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 *с. т.* Янги бичим ёки моделда тикилган, илгари кўрилмаган нусхадаги. *Фасон кўйлак. Фасон туфли.* ▬ *У [Ғойибжон] янгиликни севади, янги фасонни ёқтиради.* М. Жўра, Изтироб. *Кўйлак учун юрган каби жаҳонда, Ўттиз кўйлак бари турли фасонда.* «Муштум».

3 *с. т.* Башанг бўлиб юрадиган; олифта. *Фасон йигит. Фасон бўлмоқ.* ▬ *Бу Назо фасон бизга тинчлик берадими, йўқми?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ҳа, ана бу соат!.. Эртага фасон қилиб, районга тақиб борамиз.* Уйғун, Асарлар.

ФАСОНА [*ф.* فسانه — «афсона» с. нинг бошқача шакли] Афсона; ҳикоя, баён. *Чин ошиқ улки ишқин элга фасона қилмас.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони. *Ҳақиқатларга айланди фасонам..* Ҳабибий, Девон.

ФАСОҲАТ [*а.* فصاحت — гапга чечанлик, нотиқлик; нутқнинг тўғрилиги] **1** *кт.* Чиройли ва ёқимли сўзлаш қобилияти, нутқнинг аниқ ва равонлиги. *Фасоҳат билан сўзламоқ.* ▬ *-Унинг [Зокиржоннинг] нозик ҳаракатлари, шоирона муомалалари, заковати, малоҳати, жозибали фасоҳати мени ўзига мафтун қилди, — деди Муқимий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Лисоний хусусият, нозик қирралар. *Рус тилининг ҳам, ўзбек тилининг ҳам ўзига хос фасоҳати, жуда нозик нафосати бор.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

3 Фасоҳат (хотин-қизлар исми).

ФАСОҲАТЛИ 1 Лисоний жиҳатдан мукаммал, равон, содда. *Тўғри, унинг ғазаллари фасоҳатли, фикрлари тиниқ, назми ўзгаларнинг назмидан зебороқ.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Равон нутқли, нотиқ. *..Назм кечаларининг сарвари бўлган фасоҳатли Феруз шоир ўтирарди олтин тахтда!* С. Сиёев, Ёруғлик.

ФАТАЛ [*лот.* fatalis — муқаррар, тақдирда бор бўлган] Албатта юз берадиган, бўлиши муқаррар. *Ҳозирда жаҳон бўйлаб фатал уруш хавфи йўқ.*

ФАТАЛИЗМ [*лот.* fatalis — муқаррар, пешонага ёзилган; тақдирда бўлган] Тақдирга, пешонада ёзилганига ишонишни, унга кўникишни тарғиб қилишдан иборат диний дунёқараш, эътиқод.

ФАТАЛИСТ Фатализмга берилган, тақдирга, пешонада ёзилганига ишонувчи одам.

ФАТАЛИСТИК 1 Фатализмга оид; фатализмга асосланган. *Фаталистик қарашлар.*

2 Албатта юз берадиган, юз бериши муқаррар бўлган, шак-шубҳасиз. *Фаталистик уруш.*

ФАТВО [*а.* فتوى / فتوا — муфтининг ҳукми, қарори; тушунтириш, изоҳ] Шариат, дин қонун-қоидалари асосида руҳонийлар (муфти, шайхулислом, қози) томонидан бирор диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижти-

моий масала юзасидан чиқариладиган ҳукм, қарор, изоҳ ёки бирор ишнинг шариат нуқтаи назаридан амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма, буйруқ. *Фатво ҳам пулингга яраша бўлади.* Мақол. ▬ *Келинг, Вали ака, биргалашиб қозига борайлик, фатвосини олайлик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Муфтилар фатво берсалар ҳам, ўз қалбингизга қараб иш тутинг.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Кафиллик, кафолат, ишонч. *Унинг ҳалоллигига фатво бера оламан.* К. Яшин, Ҳамза.

3 *кўчма* Баҳона, важ, йўл-йўриқ. *-Эртага имомингнинг олдига бор, бу тўғрисида ҳам сенга бирон фатво топиб берар.* С. Айний, Қуллар. *Қара-я, тўрт йил писиб юришингга фатво ҳам топибсан-да, ҳе, ҳезалак!* Т. Малик, Ажаб дунё.

ФАТВОХОН [*ф.* فتواخوان – фатво ўқувчи, фатво берувчи] Шаръий ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи. *Наҳот ўйламайсанки, фатвохон муфтилар халқ ривоятларига «фи сабилиллаҳ» муҳр босиб берсалар.* «Шарқ юлдузи».

ФАТИЛА [*а.* فتيله – эшилган пахта пилик; калава; жамалак, гажак] **1** Ҳалқа-ҳалқа бўлиб турган ёки эшилган, жингалак (соч ҳақида). *Қизчанинг сочлари фатила-фатила бўлиб турарди.* ▬ *У кишининг.. ўсиб кетган сочи фатила-фатила бўлиб, елкасига тушган эди.* Н. Аминов, Суварак.

ФАТТОН [*а.* فتّان – мафтун қилувчи, мафтункор, жозибали; йўлдан оздирувчи] *эск. кт.* Кишини ўзига мафтун қиладиган, мафтункор, шаҳло (кўпинча севикли ёр кўзи ҳақида). *Ёниб турган, қорачиғи кенг фаттон кўзлар унинг* [*Қодирнинг*] *дамини қайтарди.* Шуҳрат, Олтин зангламас. *Ким яратмиш кўзу қошу ғамзаи фаттонини..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фитнагар олам аро фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ФАТҲ [*а.* فتح – очиш, очилиш; эгаллаш, забт этиш; ғалаба] *кт.* Ўзига бўйсундириш, забт этиш, эгаллаш; босиб олиш. *Фатҳ қилмоқ (этмоқ).* ▬ *Маҳмуд Ғазнавий Рай шаҳрини босиб олиб, уни ўғли Масъудга совға қилди-ю, Ҳамадон, Исфаҳон шаҳарларини фатҳ этишни унинг зиммасига юклади.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Қалъалар фатҳ этдик ер, кўк ва сувда, Ўлимни ҳам енгиб олсайдик омон.* Миртемир.

ФАТҲА [*а.* فتحه – забар] Араб ёзувида ундош ҳарф устига қўйилиб, ундан кейин келадиган «а» унлисини ифода этувчи белги, забар. *«А» товушини ифодалаш учун ҳарф устига қўйиладиган чизиқча (/) «забар» ёки «фатҳа» дейилади.* «Ўқиш китоби».

ФАТҲ-НУСРАТ, **фатҳу нусрат** [фатҳ + нусрат] Зафар, ғалаба; зафар тантанаси. *Бўлиб даҳшатли жанглар, ўтди сонсиз давру давронлар, Бунингдек фатҳу нусрат кўрмаган бу гумбази атлас.* Ҳабибий.

ФАУНА [*нем.* Fauna – ҳайвонот дунёси < Рим мифологиясида дала ва ўрмонлар маъбудаси] Бирор ҳудуд, мамлакат ёки геологик даврнинг ҳайвонот дунёси, уларда яшаган ёки яшаётган ҳайвонлар мажмуи. *Ўзбекистон фаунаси. Африка фаунаси. Мезозой эрасининг фаунаси.*

ФАХР [*а.* فخر – ўз-ўзини мақташ; ғурур, ифтихор] **1** Мамнунлик ҳисси, мамнуният; ғурур, ғурурланиш. *Касбни севиш, унинг фахри билан яшаш ва садоқат билан ишлаш бахт калитидир.* Р. Усмонов, Одобнома. *Кўзларида нозик бир нур чақнади. У фахр ўтими ё қаҳр ўти – билиб бўлмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мақтанишга, кўз-кўз қилишга, ғурурланишга арзийдиган нарса ёки кимса, энг яхши намуна; ифтихор объекти. *Пахта – ўзбек халқининг фахри.* ▬ *Тарихий ва миллий ёдгорликлар бизнинг миллий бойлигимиз, чексиз фахримиздир.* Газетадан. *Бу шеър даҳосига минг йил умр бер! Бу элнинг фахридир, шоир Алишер.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Фахр қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) *айн.* **фахрланмоқ.** *Баъзи одамлар пайғамбар ёшига етдим, деб қувонса, Соли совуқ ҳам мингбоши ёшидаман, деб фахр қиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Узоқ асрлардан келаётган маданиятли аждодларим билан ҳам фахр этаман.* Мирмуҳсин, Умид.

ФАХРИЙ [*а.* فخرى – ҳурматли, шарафли, муҳтарам] **1** Алоҳида, катта ҳурматга сазовор бўлган; энг ҳурматли. *Фахрий аъзолар. Жамоанинг фахрий аъзоси. Шаҳримизнинг фахрий фуқароси.*

Фахрий қоровул 1) бирор давлат арбоби ёки расмий кишилар ҳурмати учун қўйиладиган (саф қилинадиган) ҳарбий бўлинма. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига фахрий қоровул*

саф тортди. Газетадан; 2) марҳум ҳурмати учун тобут қошида турадиган кишилар.

2 Алоҳида хизматлари учун ҳурмат юзасидан бериладиган, тақдирланадиган. *Фахрий ёрлиқ. Фахрий унвон.* ▬ *Ўғлим билан катта майдонда Эгалладим букун фахрий жой..* Ҳ. Пўлат.

3 Ҳурмат юзасидан сайланадиган. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фахрий аъзоси.*

4 Ҳурмат, шон-шараф ва шуҳрат бахш этадиган, ғурурланишга арзийдиган. *Қисқа қилиб айтганимизда, ўзбек санъати ва адабиёти катта, лекин фахрий синовдан ўтди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

5 Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг, касбкорнинг, Ватан мудофаасининг бирор соҳасида узоқ муддат фаолият кўрсатган шахс. *«Нуроний» фахрийлар жамғармаси.* ▬ *У барчанинг ҳурматига сазовор меҳнат фахрийсидир.* Газетадан.

ФАХРИЯ [*а.* فخريّه – ғурур, фахрланиш; мақтаниш] Шарқ мумтоз шеъриятида: шоир томонидан ўз ижоди, истеъдоди ва фазилатларини мақтаб ёзилган шеър, шоирнинг ўз ижоди билан фахрланиб айтган сўзларидан иборат жанр. *Фахрия десам ҳам лойиқдир шеърим, Ахир, она бўлдинг, ҳам бўлдинг қизлик!* Ҳ. Ғулом, Гулдаста.

ФАХРЛАНМОҚ Бирор кимса, нарса ёки эришилган ютуқ туфайли мамнун бўлмоқ; ғурурланмоқ. *Дўстларингнинг сони билан эмас, содиқлиги билан фахрлан.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Шундай йигитнинг ёри эканидан фахрланаётгани кўзидан, чимирилган қошларидан билинар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ФАХРЛИ Ҳурмат, шон-шараф келтирадиган; фахрланса арзийдиган; шарафли. *Оналаримизнинг кундалик, тинимсиз меҳнати фахрли ва олижаноб меҳнатдир.* «Саодат». *Фахрли касб эгаси – химик бўлганим учун ич-ичимдан қувонаман.* Газетадан.

ФАШ [*ф.* فش – от ёли; салла печи] Салланинг елкага тушган қисми; печи, учи. *Хатиб домла кулумсираб.. оқ бўйра устидаги тобут ёнига боради ва салласининг фашини тушириб, такбир учун қўл кўтаради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бошига кўк салла ўраб, фашини узун қилиб орқасига ташлаган бир киши котибга ариза берди.* С. Айний, Қуллар.

ФАШИЗМ [*итал.* fascismo < fascio – боғ, боғлам, даста; бирлашма, бирлашув < *лот.* fascis] Жангари ирқчилик, антисемитизм ва шовинизм мафкураси; унга таяниб иш кўрувчи сиёсий оқимлар, шунингдек, бир ҳукмрон партиянинг ошкор террористик диктатураси, у томонидан яратилган ва илғор ижтимоий ҳаракатларни, демократияни йўқ қилишга ва урушлар келтириб чиқаришга қаратилган қатағон режими. *Кекса авлод фашизм билан шафқатсиз олишувда урушнинг барча оғирликларини енгди.* Газетадан.

ФАШИСТ [*итал.* fascista] Фашизм тарафдори; фашистлар ташкилотининг аъзоси; фашизм ғоялари, ҳаракатининг ижрочиси. *Наинки фашист фақат душмангина бўлса, наинки унинг бутун қилмиш-қидирмишларини минг йиллардан бери одам боласига маълум бўлган «душман» калимаси ифода қила олса?* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ФАЭТОН [*юн.* Phaethon – юнон мифологиясида: қуёш маъбуди Гелиоснинг ўғли Фаэтон исмидан: у икки ғилдиракли қуёш аравасини бошқаришни хоҳлаб, Ер юзини хавф-хатарда қолдирган < phao – ярқирайман, нур сочаман] *айн.* **файтон, фойтун**.

ФАҚАТ [*а.* فقط – атиги, ёлғиз; аммо; нуқул] **1** *рвш.* Биргина, ягона, ёлғиз. *Меҳри касалхонада узоқ ётиб қолди. Ундан фақат Нисо буви хабар олиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. *Чувалчанг фақат ёмғир ёққандан кейингина ер юзасига чиқади.* «Фан ва турмуш». *Ёдгор сирларини фақат Зокиржонга айтарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *зидл. боғл.* Чеклаш маъносини ифодалайди. *Ҳамма нарса тушунарли, фақат битта саволим бор.* ▬ *Яна айтаман, фақат эҳтиёт бўл, ёмон кўздан ўзи асрасин.* Т. Ашуров, Оқ от. *Фақат ожиз қаламим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ФАҚИР [*а.* فقير – камбағал, қашшоқ, муҳтож] **1** Моддий жиҳатдан ночор, камбағал, қашшоқ; муҳтож. *Фақир одам. Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши.* Мақол. ▬ *Бировнинг мол-дунёси ошиб-тошиб ётса-ю, фақирга кўз олайтирса, ҳақиқат борми ахир, эй фалак!* Ж. Шарипов, Хоразм. *Жавоб ололмади ҳеч ким ҳам зотан: На султон, на гадо, на шоҳ, на фақир.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 *эск.* Биринчи шахс ўрнида ёки «мен», «биз» олмошлари билан бирликда ишлатилиб, сўзловчининг камтарлик қилаётганини ифодалайди. *Табибий энтикди: -Фақирингиз виждоним буюрган гапни айтдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Фақир у зотнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган пайтларимни эсласам, юрагим эзилур!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сиздек муҳтарам зот таклиф этади-ю, биздек фақир бош тортадими?* С. Сиёев, Аваз.

3 *кўчма* Ночор, бечора, чорасиз. *Кичик, хароб, фақир бир уй. Кампир ва ёш бир хотин жўхори тозалар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Фақир юрагим орқамга тортиб, пешонамни совуқ тер босди.* «Фан ва турмуш».

Бола фақир Ачинарли, қийин аҳволга тушган ёш бола; бечора бола. *-Бола фақирга қийин бўлди, — деди Жонузоқ оқсоқол. — Иссиқ-совуғига қарайдигани йўқ. Ёлғиз.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бола фақирнинг қилган меҳнатига ҳали бу ҳосилалар ҳам оз, тақсир!* А. Қодирий, Обид кетмон.

ФАҚИРЛАШМОҚ Моддий жиҳатдан ожизланиб бормоқ, қашшоқлаша бормоқ, камбағаллашмоқ. *-Алишер мамлакатнинг фақирлашганининг сабабларини кўрсатиб, ўзича исботлаб, бутун давлат тартиботини ислоҳ қилмоқни тавсия қилади, — деди Мажддиддин.* Ойбек, Навоий.

ФАҚИРЛИК 1 Моддий жиҳатдан ожизлик, қашшоқлик, камбағаллик. *Фақирликни бошдан кечирмоқ.* ▬ *Содиқлар.. фақирликда яшаб, йил сайин менга оз-оз ерларидан сотиб, тирикчилик қилар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мутрибнинг ҳазилнамо байтида Аваз йўқчилик, фақирлик оиласини қуритган, аммо кўнгли қаноатга тўла некбин шоир қалбини кўргандек бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Хокисорлик, камтарлик. *Фақирлик йўлини ихтиёр қилдим, Шамшоднинг юртига бормоқчи бўлдим.* «Баҳром ва Гуландом».

3 *кўчма* Маънавий қашшоқлик. *Кишида уч хил сифат бордирки, улар фақирликдандир: Подшоҳким, яхшилигингга шукр қилмайди, ёмонлигингни кечирмайди. Қўшниким, сендан яхшилик кўрса — яширади, ёмонлик кўрса — oширади..* «Фан ва турмуш».

ФАҚИРОНА [*а.* + *ф.* فقيرانه — камбағалона, эҳтиёжли ҳолатда] **1** *рвш.* Фақирга хос; фақирларча, камбағалларча, ночор. *Фақирона яшамоқ. Фақирона ҳаёт кечирмоқ.* ▬ *Шоир Ёрий деҳқончилик қилиб, фақирона ҳаёт кечирган.* Газетадан.

2 *кўчма* Аҳволи ночор, кўримсиз. *Халқнинг ақлу иродаси ва қудрати билан фақирона катакча кулбалор ўрнида бетондан, металлдан.. шаҳримиз қаддини кўтарди.* Газетадан.

ФАҚИР-ФУҚАРО [фақир + фуқаро] *с. т.* Ғариб, ночор, камбағал кишилар, бева-бечоралар. *Уста Маҳмуднинг теварак-атрофга донғи кетди, уни фақир-фуқаронинг дўсти.. сифатида таний бошладилар.* М. Осим, Маҳмуд Торобий.

ФАҚИҲ [*а.* فقيه — шариат ҳуқуқшуноси, қонуншуноси; қуръон ўқувчи, қори] Дини ислом, шариат қонун-қоидаларини яхши билувчи ва таҳлил қилувчи. *Фақиҳлар маънавий баркамол, зўр иззат-ҳурматга сазовор, чуқур ақл-заковатга ва зарур маънавий фазилатларга эга бўлганлар.* Газетадан. *Мазкур кўчанинг охирида Алишербекнинг устозлари фақиҳ Абдулла истиқомат қилар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ФАҲМ [*а.* فهم — англаш, тушуниш; фаросат; билармонлик] Инсоннинг тушуниш, англаш, онгли сезиш қобилияти; идрок, фаросат; ақл. *Аждоду боболарнинг фаҳмига балли: Илк деворни урганлар, кулба қурганлар.* М. Шайхзода. *Фаҳмини еб қўйган қай бир ногирон Демишки, кўр бўлсин буткул бу дунё.* А. Орипов, Йиллар армони.

Фаҳм қилмоқ 1) фикр юритмоқ, ўйламоқ, тушунмоқ. *-Албатта, хўжайинники ноҳақ. Боласи билан ўралиб қолди, энди ишлай олмайди, деб ўйласа керак у. Мен шундай фаҳм қилдим, — куйиниб сўзлади Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *айн.* **фаҳмламоқ**.

Фаҳмига етмоқ (*ёки* **бормоқ**) Идрок этмоқ, англамоқ; фарқига бормоқ, тушунмоқ. *Ҳа, майли, укажон, ҳали ёшсиз, кўп нарсанинг фаҳмига бормайсиз.* «Гулдаста». *Ҳа, фақат табиблик қилолмайди. Ундан бўлак ҳамма нарсанинг фаҳмига етади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ФАҲМЛАМОҚ 1 Гап, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг маъносига, моҳиятига тушуниб етмоқ, англамоқ; сезмоқ, уқмоқ. *Китобхон сохталикни дарров фаҳмлайди.* Газетадан. *..эшикдан кирган киши бу ерда соҳибжамол жонон туришини дарров фаҳмлайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 ..деб билмоқ, ўйламоқ. *Мен сени дўст фаҳмлаб юрардим.* ▬ *Отабек бу терс жавобни ҳазил фаҳмлаб, кулди ва Кумушнинг манглайига қўлини текизди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аравакаш, Меъмор ўғлини камгап, димоғдор фаҳмлаб, орқасига қайрилиб, яна бир қараб қўйгандек бўлди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ФАҲМЛИ Идрокли, фаросатли; сезгир. *Фаҳмли бола. Фаҳмли жониворр.* ▬ *Ана шундоқ зийрак, фаҳмли.. пок йигитчани худонинг ўзи етказди..* К. Яшин, Ҳамза.

ФАҲМСИЗ Фаросатсиз, дидсиз, палапартиш; бефаҳм. *Фаҳмсиз бола.*

ФАҲМ-ФАРОСАТ, **фаҳму фаросат** Фаҳм ва фаросат, ақл, идрок. *Ақл, фаҳм-фаросат билан кўнгилни йўлга солиб туриш керак.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *У шу маҳалгача ҳеч ким пайқамаган ҳақиқатга идроки етган шогирдининг фаҳм-фаросатига қойил қолди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ФАҲШ [*а.* فحش – беадаблик, ахлоқсизлик, бузуқлик, зино] Зино ишларига ҳаддан ташқари берилиш; бузуқлик, ахлоқсизлик. *Фаҳш ишлар, фаҳш сўзлар исломда йўқ нарсадир.* «Фан ва турмуш». *Тангри фаҳш ишларни қилувчи ва беҳаё сўзларни гапирувчи кишиларни ёмон кўради.* «Фан ва турмуш».

ФАҲШИЯТ [*а.* فحشيّت – бузуқлик; шаҳвоният] Бузуқлик, ахлоқсизлик; шаҳвоний нафс. *Тошпўлат, ёзувчининг ўз таъбирича, фақирлик орқасида ўғрилик ва фаҳшият денгизида сузиб, тажангланган холис бир чапанидир.* А. Қодирий, Отам ҳақида.

ФАҲШХОНА *айн.* **фоҳишахона**. *-Тушинг эмас, ўнгинг. Бу кушхона, фаҳшхонага сендан беизн кирганим учун мени маъзур тутасан, бойвачча.* К. Яшин, Ҳамза.

ФЕВРАЛЬ [*лот.* februarius – тозаланиш, ҳалолланиш ойи] Янгича (календарь) йил ҳисобида иккинчи ой номи. *Февралнинг ўрталарида ҳаво юмшаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёпиғи тешила бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ФЕДЕРАЛ [*лот.* federalis – иттифоқ, уюшмага оид] *айн.* **федератив**. *Федерал органлар. Федерал марказ. Федерал қўшинлар.*

ФЕДЕРАЛИЗМ [*фр.* federalisme < *лот.* foedus – иттифоқ, уюшма; боғланиш] *сиёс.* **1** Федерация системасига асосланган давлат тузуми.

2 Шундай давлат тузуми ўрнатишга интилувчи сиёсий ҳаракат, оқим.

ФЕДЕРАЛИСТ [*фр.* federaliste] Федерализм тарафдори, федералчи

ФЕДЕРАТИВ [*фр.* federatif – иттифоққа оид, асосланган] *сиёс.* Федерация асосида тузилган. *Федератив давлат.*

ФЕДЕРАЦИЯ [*лот.* foederatio – иттифоқ, бирлик] **1** *сиёс.* Алоҳида мустақил давлатлар ёки республикаларнинг бирлашуви асосида тузилган яхлит давлат, давлат ёки республикалар бирлашмаси. *Россия Федерацияси.*

2 Айрим жамиятлар ёки ташкилотлар уюшмаси; иттифоқи. *Жаҳон демократик ёшлар федерацияси. Хотин-қизларнинг халқаро демократик федерацияси.* ▬ *Тошкент биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясининг аъзосидир.* Газетадан.

ФЕЛЬДМАРШАЛ [*нем.* Feldmarschall] Бир қатор мамлакатлар (Австрия, Пруссия, чор Россияси ва б.) армияларида жорий қилинган олий ҳарбий (генераллик) унвон ва шу унвонга эга бўлган киши (бу унвон Буюк Британия ва б. баъзи мамлакатларда сақланган).

ФЕЛЬДШЕР [*нем.* Feldscher < Feldscherer – жарроҳ; ҳарбий қисм сартароши] Ўрта тиббий маълумотга эга бўлган тиббиёт ходими, врач ёрдамчиси. *Зебо госпиталга ўз хоҳиши билан фельдшер бўлиб киргач, онасига ҳам иш топилиб қолди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Хуллас, Отажон йигирма олти ёшида фельдшер бўлди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ФЕЛЬДЪЕГЕРЬ [*нем.* Feldjager] Армия ёки ҳукуматнинг ўта муҳим, кўпинча махфий қоғоз-ҳужжатларини тегишли жойга етказиб берувчи курьер.

ФЕЛЬЕТОН [*фр.* feuilleton < feuille – варақ; дастлабки фельетонлар Францияда алоҳида варақларда чоп этилган] Кундалик ҳаётда рўй берадиган салбий ҳодисаларни ёки бирор кимсани ўткир тил билан танқид қилиб, унинг устидан кулиб, долзарб мавзуда ёзилган газета ёки журнал мақоласи; публицистик жанр. *Сатира ва юморнинг жанрлари жуда кўп: фельетон, ҳажвий ҳикоя, памфлет.. ва ҳоказолар.* «Муштум». *Комил Алиевнинг фельетонлари дўстларни қувонтирар, душманларга даҳшат соларди.* М. Жўра, Ноширнома.

ФЕЛЬЕТОНЧИ Фельетонлар ёзиш билан шуғулланувчи шахс; фельетонлар муаллифи. *..қизиқчиларимиз, фельетончи ва адабиётшуносларимизнинг теша тегмаган ҳангомаю ҳажвияларини мазза қилиб ўқийсиз.* Газетадан.

ФЕН I [*ингл.* fan < *лот.* vannus – елпиғич (машина)] Сочни қуритишга мўлжалланган, ҳавони илиқ қилиб ҳайдовчи электр асбоб. *Фен сочни қуритишга жуда қулай, боши оғрийдиганларга фойдаси бор.* Газетадан.

ФЕН II [*юн.* phaino – кўрсатаман, намоён этаман] *биол.* Организмнинг ирсий (генлар билан боғлиқ) белгиси, хусусияти.

ФЕНОЛ [*юн.* phaino – кўрсатаман, намоён қиламан + *лот.* ol(eum) – мой] *ким.* Тошкўмир қатронидан, бензолдан ёки синтетик йўл билан ҳосил қилинадиган, техникада кенг қўлланадиган кристалл модда. *Бетон қоришмага ўювчи натрийнинг сувли эритмаси билан аралаштирилган полимер – фенол қўшилади.* Газетадан.

ФЕНОЛОГ Фенология мутахассиси.

ФЕНОЛОГИЯ [*юн.* phaino – кўрсатаман, намоён қиламан + logos – билим] Биологиянинг жонли табиатга йил фасллари алмашинувининг таъсирини ва шу билан боғлиқ ҳолда юз берувчи ўзгаришларни (қушларнинг учиб келиши ва кетиши, ўсимликларнинг гуллаши ва б.) ўрганадиган бўлими.

ФЕНОМЕН [*юн.* phainomena – туюладиган, кўринадиган нарса] **1** *флс.* Ҳис-туйғу тажрибаси билан билинадиган ҳодисани англатувчи тушунча.

2 Ғайриодатий, камдан-кам учрайдиган ҳодиса, факт, шахс.

ФЕНОМЕНАЛИЗМ [«феномен» с. дан] Объектив оламнинг мавжудлигини инкор қилувчи, у фақат инсон тасаввурида, хаёлида мавжуд бўлади, деб ҳисобловчи фалсафий таълимот.

ФЕОДАЛ I [*лот.* feodalis < feodum < *қад. юн.* fihu, fehu – ер-мулк + od – эгалик] *тар.* Феодализм даврида: ҳукмрон синф вакили – катта ер-мулк эгаси; заминдор; помешчик. *Бу даврда асосий бойлик ҳисобланган ер, сув, ўрмон ва ўтлоқлар феодалнинг қўлида эди.* «Янги тарих». *Шундан кейин аламзада феодалларнинг шаҳзодага рағбати ошди.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Шафқатсизларча, қўпол муносабатда бўлувчи; эскича фикрловчи. *Сен деспот бўлиб, мени турткилайверма. Феодал бўлма, азизим!* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳа, дарвоқе, олти ойлик ярашув муддатида бу феодал, муттаҳамнинг устидан ўн бешта ариза бердим.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ФЕОДАЛ II [*лот.* feodalis] Феодализмга, феодалларга хос; феодализм принципларига асосланган. *Феодал муносабатлар.*

ФЕОДАЛИЗМ [*ингл.* feodalism < *лот.* feodum – ер-мулкка эгалик] *тар.* Деҳқонлар мустақил хўжалик юритадиган, лекин шахсан ва иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфга – катта ер-мулк эгаларига қарам бўлиб, уларга феодал рента тўлайдиган, тарихан капитализмдан олдинги ижтимоий-иқтисодий формация.

ФЕОДАЛЛАРЧА *рвш.* Феодалга хос, зўравонликка асосланган, феодаллардай. *Феодалларча синфий муносабат. Феодалларча қараш.*

ФЕРМА I [*фр.* ferme < *лот.* firmus – мустаҳкам] **1** Бозор иқтисодиёти мамлакатларида ўз мулкида ёки ижарага олинган ерда хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган фермерга тегишли бўлган хусусий қишлоқ хўжалик корхонаси.

2 *тар.* Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва чорва молларини парвариш қилиш билан шуғулланадиган ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхонаси ёки бўлинмаси. *Паррандачилик фермаси. Чорвачилик фермаси. Наслчилик фермаси.* ■ *Ҳар куни тонг қоронғисида қорининг хотини Тўпанисо билан сигир соққани фермага борар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сатторов кассани ҳисоблаб чиққач, товуқ фермасига ўтди.* «Муштум».

3 Чорва моллари ва паррандаларни етиштириш (боқиш ва сақлаш) учун мўлжалланган бино.

ФЕРМА II [*лот.* firmus – мустаҳкам] Том ёпиш, бостирмалар ва кўприк қуришда ишлатиладиган, металл, темир-бетон, ёғочдан бўлган таёқ(ча)ларни бир-бирига бириктириб ясаладиган қурилиш конструкцияси.

ФЕРМЕНТ(ЛАР) [*лот.* fermentum – ачитқи] *биол., ким.* Ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларнинг тирик ҳужайраларида катализаторлик вазифасини бажариб, ундаги кимёвий жараёнларни миллион марталаб тезлатишга ёрдам қиладиган

оқсил моддалар (кундалик турмушда, енгил, озиқ-овқат ва кимё саноатларида кенг қўлланади). *Асалнинг шифобахш модда бўлишининг бирдан-бир сабаби таркибида ферментларнинг кўплигидир.* Л. Икромов, Минг дардга даво. *Турпдаги ферментлар киши организмида модда алмашинишига.. ёрдам қилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ФЕРМЕНТАТИВ Ферментга оид; фермент хоссаларига эга, ферментлар таъсирида юзага келадиган. *Ферментатив модда. Ферментатив жараёнлар. Ферментатив фаоллик.*

ФЕРМЕНТАЦИЯ [*лот.* fermentare – ачитмоқ, бижғитмоқ] *биол., ким.* Тегишли микроорганизм турлари ишлаб чиқарадиган ферментлар таъсирида хомашё моддалар (узум шираси, чой, тамаки барглари)ни қайта ишлашдаги биокимёвий жараён; ачиш, бижғиш, ачитиш. *Тамаки ферментацияси. Чой барглари ферментацияси.* ▬ *Қора чой яхши пишган барглардан тайёрланади. Бунда улар аввал қуритилади ва эзилади, сўнгра ферментация қилиниб, яна қуритилади.* «Фан ва турмуш».

ФЕРМЕР [*ингл.* farmer] Ўзига қарашли ёки ижарага узоқ муддатга олинган ерда зироат, чорва, парранда маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи майда ёки ўртача қишлоқ хўжалик корхонаси эгаси. *Фермерларга аталган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамланиб қўйилди.* Газетадан. *Ўша куни.. Аҳмад Қодиров деган фермер укамизни учратиб қолдим.* Газетадан.

ФЕРМИЙ [*лот.* fermium < *итал.* Fermi – италиялик физик Энрико Ферми номидан] *ким.* Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сунъий йўл билан олинган радиоактив металл.

ФЕРРО- [*лот.* ferrum – темир] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, темирга оидлик, темир билан алоқадорлик каби маъноларни ифодалайди, мас., *ферромагнит, ферроқотишмалар.*

ФЕРРОМАГНИТ [ферро.. + магнит] Кучли магнит хусусиятига эга бўлган, тез магнитланадиган (темир, пўлат, чўян, никель, кобальт ва б.).

ФЕРРОҚОТИШМАЛАР [ферро.. + қотишма] *ким. тех.* Темирнинг бошқа элементлар (кремний, марганец, хром, молибден, ванадий ва б.) билан қотишмалари.

ФЕРРУМ [*лот.* ferrum – темир] Темирнинг кимёвий формулаларни айтганда (ўқиганда) фойдаланиладиган номи.

ФЕРУЗ [*а.* فيروز < *ф.* فيروز / پيروز – ғолиб, музаффар, зафарли; бахтли] **1** Бахтли, толели; ғолиб, музаффар.

2 Ўзбек халқ мумтоз куйларидан бирининг номи (Феруз – Муҳаммад Раҳимхон II ва Муҳаммад Раҳим I даврларида яратилган).

3 Феруз (эркаклар исми).

ФЕРУЗА [*ф.* فيروزه / پيروزه – яшил рангли қимматбаҳо тош] Заргарликда безак буюмлар учун ишлатиладиган, кўк-яшил, ҳаворанг-яшил рангли қимматбаҳо тош. *Феруза ва забаржад тошлар кўз қамаштириб ётади.* Ойбек, Навоий. *Меъморнинг хаёлидан.. мирзо ҳадя этган феруза кўзли тилла узуги ўтди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мағриб мамлакатларида феруза «шарқ тоши» деб аталган.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Мовий, ҳаворанг. *Феруза сув тагларида сузар олтин балиқлар.* Миртемир, Асарлар. *Унинг.. ярим очиқ кўзлари мусаффо, феруза осмонга қадалган.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар.

3 Феруза (хотин-қизлар исми).

ФЕСТИВАЛЬ [*фр.* festival < *итал.* festivus – байрамона, шод, қувноқ] Санъатнинг мусиқа, кино, театр, цирк ва б. соҳаларида эришилган энг яхши ютуқлар бўйича вақтивақти билан ўтказиладиган танлов, кўрикдан иборат оммавий байрам, тантана, сайил. *Мусиқа фестивали. Ўзбек кинофильмлари фестивали.* ▬ *Фестиваль халқлар билимини оширишга, бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради.* «Саодат». *«Тошкентнинг олтин кузи» фестивали ўз номига ғоят муносиб.* Газетадан.

ФЕТИШ [*фр.* fetiche – бут, санам < *порт.* fetico – тумор; сеҳргарлик] **1** Ибтидоий қабилалар муқаддас, ғайритабиий кучга эга, деб сиғинган, топинган жонсиз нарса.

2 *кўчма* Кўр-кўрона ишониб, қаттиқ ёпишиб олинган нарса, ғоя ва ш. к.

ФЕТИШИЗМ [«фетиш» с. дан] **1** Ибтидоий қабилаларда фетишларга – илоҳийлаштирилган нарсаларга топиниш, сажда қилиш (ҳозирда ҳам иконаларга, рамзий

ҳайкалчаларга, баъзи жониворларга сиғиниш, сажда қилиш тарзида учраб туради).

2 *кўчма* Бирор нарсага кўр-кўрона, берилиб эътиқод қилиш, бундай нарсага маҳкам ёпишиб олиш. *Пул фетишизми.*

ФЕЪЛ I [*а.* فعل – ҳаракат, таъсир кўрсатиш; иш, амал] **1** Киши характерини ташкил этувчи руҳий хусусиятлар ва ундан юзага келувчи хатти-ҳаракатлар мажмуи; хулқ, характер, хулқ-атвор. *Ҳар ким феълига яраша олар.* Мақол. ▬ *-Бу ойимчанинг феълини биласиз-ку! – деди Мастура кўзига ёш олиб.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Зайнабнинг шу феъли балоғатга етиб, эрга теккандан кейин ҳам ўзгармади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Инсоннинг маълум пайтдаги руҳий ҳолати, кайфияти, авзойи. *Феъли бузилмоқ. Феъли айнимоқ. Феъли озмоқ.* ▬ *Шундай феъли бузилдики, худодан ҳам хафа бўлиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бироқ раиснинг феъли бирданига айниб қолди.* С. Зуннунова, Олов.

Ит феъл, итфеъл Ёмон хулқли, ярамас. *Самоварчининг «ит феъл» эканини пайқаган бўлса ҳам, ноилож унинг олдига борди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ит феъл, бадбахт! қошу қовоғингдан нақ қор ёғади..* Ойбек, Танланган асарлар. **Феъли айнамоқ** *кўчма* Ўзгармоқ, ёмонлашмоқ (об-ҳаво ҳақида). *Шамол эсиб, ҳавонинг феъли айниб бирпасда..* Ғайратий, Танланган асарлар. *Гоҳо кулиб, осмон ҳаммани хурсанд қилади, гоҳо бирдан феъли айниб, деҳқон дилини сиёҳ қилади.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Феъли кенг** Бор нарсани биров билан баҳам кўрадиган, бировдан аямайдиган, сахий. *Тегирмонда туғилган сичқоннинг феъли кенг.* Мақол. *Ўлганда гўринг кенг бўлсин, тирикликда – феълинг.* Мақол. ▬ *Темирчининг уйи тор бўлса ҳам, феъли кенг эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Эй, феъли кенг қишлоқ ўғли, куйлайин сени!* А. Шер, Қадимги куй. **Феъли тез** *қ.* **тез 5.** *-Хотининг, бунақа феъли тез экан, [болани] олиб кетмагани ҳам дуруст.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Феъли тор** Ҳаддан ташқари зиқна, хасис. *Қадим ўтган замонда, Каттақўрғон томонда, Бир очкўз бой бор эди, Феъли жуда тор эди.* Уйғун. *-Уларда пул бўлади, биламан. Лекин аёлларнинг феъли тор.* Ойбек, Танланган асарлар. **Феъли қайтмоқ** *айн.* **тўнини тескари киймоқ** *қ.* **тўн**. *Ё тавба, ё тавба! Мунча феълинг қайтмаса, қизим?* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Одат, хулқ, қилиқ; иш, хатти-ҳаракат. *Ёлғончилик шундай бир шум феълдирки, имонга, ризққа, умрга, эътибор ва обрўга зиёни бордур.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Қойил қолдим энди қилган феълингга, Ўғил кўргин, қўлин солсин бўйнингга.* «Эрали ва Шерали». *Ҳали ҳам тавба қил қилган феълингга, Тўхта, ойим, етолмайсан элингга.* «Муродхон».

Хуш феъл *қ.* **хушфеъл**. *[Ўроз] Мирзакаримбойга қарол бўлиб ёлланган, кет-боши кир, увада бўлишига қарамай, чиройли, хуш феъл, ёқимтой йигит эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ФЕЪЛ II [*а.* فعل – иш, ҳаракат] *тлш.* Ҳаракат, шунингдек, ҳолат ва ҳодисани билдирадиган сўзлар туркуми ва шу туркумга оид ҳар бир сўз. *Феъл замонлари. Келаси замон феъли. Ўтган замон феъли. Ўтимли феъл. Ўтимсиз феъл.*

ФЕЪЛАН [*а.* فعلاً – феълига, иши, ҳаракатига кўра] *рвш. кам қўлл.* Характер, хулқига кўра, шу жиҳатдан. *У [Умид] бошқа ўртоқларига қараганда анча тежамкор, феълан босиқ.* Мирмуҳсин, Умид.

ФЕЪЛ-АТВОР [феъл + атвор] Шахснинг атроф муҳитга ва ўз-ўзига муносабатида намоён бўладиган, ўзигагина хос хусусияти; характер. *Одамнинг феъл-атвори унинг қисматидир.* Газетадан. *Боланинг хатти-ҳаракати ва феъл-атвори маълум даражада ота-онасининг кимлигидан далолат беради.* Р. Усмонов, Умр сабоғи.

ФЕЪЛДОР [*а.* + *ф.* فعلدار – маълум феъл-атворга эга] *кам қўлл.* Феъл-атвори ёмон, дағал муомалали; асабий. *Ўз хотинининг феълдор бўлса, бировни ғазаблаш ҳам ярашмас экан.* И. Раҳим, Ҳилола.

ФЕЪЛЛИК *тлш.* Феъл туркуми хусусиятларига эгалик; феълга хослик. *Сифатдошлар феъллик ва сифатлик хусусиятларига эга бўлади.* «Ўзбек тили» дарслиги.

ФЕЪЛ-ХЎЙ *айн.* **феъл-атвор.** *Мулла Муҳсин Хатиб домланинг феъли-хўйига яхши тушунганликдан, унинг ҳамма сўзларига ҳам батамом ишониб етолмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бу йигит деҳқонларнинг феъл-хўйини яхши билганидан, улар билан тез тил топишиб кетди.* Ойбек, Навоий.

ФЁН [*нем.* Föhn < *лот.* favonius – илиқ ғарбий шамол] *геогр.* Тоғли ўлкаларда тоғлардан водийларга, юқоридан пастга томон эсувчи кучли, илиқ ва қуруқ шамол. *Фённинг зарарли таъсирини камайтириш учун иҳота дарахтзорлари барпо этилади.* «ЎзМЭ».

ФИБРА [*лот.* fibra – тола] *тех.* Кимёвий йўл билан ишланиб, бир неча қатламли пресслаган, букилувчан, жуда пишиқ қалин қоғоз; ўраш, изоляциялаш материали сифатида ҳамда тери ўрнида ишлатилади. *Сиртига фибра сирилган чамадон.*

ФИБРОМА [*лот.* fibra – тола + *юн.* -oma – шиш, ўсмани билдирувчи қўшимча] *тиб.* Толадор бириктирувчи тўқимадан пайдо бўлган, тананинг ҳар қандай қисмида учраши мумкин бўлган хавфсиз ўсма.

ФИГОР [*ф.* فگار – «афгор» с. нинг бошқача шакли] *қ.* **афгор**. *Қилма кўнглум хори ҳижрондин фигор, эй сарвиноз.* Фурқат. *Муҳаббатдин бўлурман фигор, майлигаму? Тараҳҳум айламасанг, эй нигор, майлигаму?* Муқимий.

ФИГУРА [*лот.* figura – образ, кўриниш] *с. т.* **1** Гавданинг тузилиши, бичими; қаддиқомат, жусса. *Фигураси ниҳоятда чиройли.* ▬ *У қўғирчоқлар ясайди.. сувенир фигураларнинг нодир коллекциясини яратади.* Газетадан.

2 Муайян ҳаракат (рақс, ҳавода учиш, сувда сузиш, конькида учиш ва ш.к.) ни бажаришда кимса ёки нарса томонидан ҳосил қилинган ҳолат, вазият.

3 Шахмат ўйинида: пиёдалардан бошқа асосий сипоҳлар; карта ўйинида: туз, қирол каби асосий қарталар. *Зуҳра шахмат фигураларидан кўзларини узмасди.* Ибохон, Улуғ кун.

4 Геометрик шакл. *Симметрик фигура.* ▬ *Алоҳида ёки бир-бири билан турли комбинацияларда олинган нуқта, чизиқ ва сиртлар геометрик фигуралар ҳосил қилади.* «Геометрия» дарслиги.

5 *кўчма* Бирор иш, соҳа, жабҳадаги асосий, ҳал қилувчи, етакчи сиймо. *Таълим-тарбия ишида ўқитувчи бош фигура саналади.* ▬ *Теримчи ва механик-ҳайдовчи пахта йиғимтеримида марказий фигура, ҳал қилувчи кучдир.* Газетадан.

ФИГУРАЛИ 1 Фигуралар ҳосил қилиб бажариладиган (*қ.* **фигура 2**). *Фигурали учиш мусобақаси ҳақидаги суратли афишаларни кўздан кечирди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

2 Кўплаб геометрик шаклларга эга бўлган. *Маълумки, кўп фигурали картиналар яратиш муаллифдан юксак маданият талаб қилади.* «Гулистон».

ФИГУРАЧИ *спрт.* Конькида турли фигуралар ҳосил қилиб учувчи, рақс тушувчи спортчи. *Мусобақада фигурачиларимиз бешта совринли ўринни эгалладилар.* Газетадан.

ФИДЕИЗМ [*фр.* fideisme < *лот.* fides – ишонч, эътиқод] *флс.* Имон-эътиқод ақлидрокдан устун туради, деб ҳисобловчи, фан ва илмий билишни чекловчи диний дунёқараш.

ФИДО [*а.* فداء – қутулиш, қутултириш; товон, эваз; қурбонлик, қурбон бериш, фидо бўлиш] Бирор кимса, нарса ёки ғоя учун ўзини бағишлаш; бахшида, қурбон қилиш. *Жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма.* Мақол. ▬ *Мустақиллик учун жонини фидо қилган шаҳидларни ғам-андуҳ билан эслаймиз.* Газетадан.

ФИДОЙИ [*а.* فدائی – ўз жонини қурбон қилувчи] **1** Бирор кимса, нарса ёки ғояга астойдил берилган ва улар учун жондан кечишга ҳам тайёр; содиқ. *Меҳнаткаш, фидойи, ҳалол инсонни ўлимидан кейин эъзозлаш тириклар қўлига чироқ тутқазиш билан баравардир.* «Саодат». *Бизнинг кишилар мард, камтар, фидойи, Саботига айтсанг тасанно арзир.* М. Бобоев.

2 Кўнгилли, ўз ихтиёри билан келган (қолган) аскар. *Ёш Аҳмад янги тузумни мустаҳкамлашга бел боғлаган фидойилар сафига қўшилди.* Газетадан.

ФИДОЙИЛИК Ўз танлаган йўли, маслаги, ғоясига, касбу корига ёки бирор кимсага содиқлик, ўзини бахшида этиш. *Фидойилик бор жойда ғалаба бор, дейдилар.* «Шарқ юлдузи». *Ўзига шунчалар фидойилик қилган мана шу гўзал қизнинг – жондан ортиқ Азизасининг олдидаги қарзини қандай узсин?!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФИДОКОР [*а.* + *ф.* فداکار – ўз жонини қурбон қилувчи; фидойи] Бирор кимса, нарса ёки эътиқод учун ўз жонини фидо қиладиган; чексиз садоқатли, фидойи. *Фидокор одамнинг йўли доим ойдин бўлади.* Газетадан. *Бобуржон, сизнинг дилингиз беғубор, сиз нодир истеъдодли фидокор йигитсиз!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ФИДОКОРЛИК Ўз иши, касб-кори, маслаги, эътиқодига ёки бирор кимсага ўта берилганлик, ўта содиқлик. *Ўзгаришларнинг ҳаммаси осонликча бўлмади. Бутун халқимиз ғоят зўр фидокорлик кўрсатди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Йўлчи қизнинг бундай туйғунлиги ва фидокорлигига қандай баҳо беришни.. билмай қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бутун борлиғи билан берилиб ишлашлик, жонбозлик. *..ҳамма, мижжа қоқмай, фавқулодда фидокорлик билан ишлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Сут соғувчиларимиз фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар.* Газетадан.

ФИДОКОРОНА [*а.* + *ф.* فداكارانه — жонини фидо қилган ҳолда, жонбозлик кўрсатиб] *рвш.* Жонини фидо қилиб, бутун борлиғи билан, садоқат билан, берилиб. *Хўжалик муваффақияти соҳибкорларимизнинг фидокорона меҳнати билан яратилди.* Газетадан.

ФИ́ЗИК I Физика фани мутахассиси. *Мен физикман, фазо қонунлари ҳақида фикр юрита оламан.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ФИЗИ́К II Физикага доир, физика билан боғланган; физикавий. *Жисмларнинг физик хоссалари. Физик ҳодисалар. Физик жараёнлар.* ▬ *Бир неча кун ўтгач, Солиҳ ўзи ишлайдиган физик проблемалар институти томон йўл олди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ФИЗИКА [*юн.* physike < physis — табиат] Моддий дунё (материя)нинг тузилишини, энг умумий хоссаларини ҳамда унинг ҳаракат қонунларини ўрганувчи фан. *Назарий физика. Атом ядроси физикаси. Физика кабинети.* ▬ *Физикада жисмларнинг ҳаракати, товуш, иссиқлик, электр, магнит ва ёруғлик хоссалари ўрганилади.* «Физика» дарслиги. *Унинг ўзи ёшликданоқ физикага қизиқар, онаси эса Юнусовга [тоғасига] суянарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФИЗИКАВИЙ Физикага оид, физикага хос; физик. *Жисмларнинг физикавий хусусиятлари.*

Физикавий кимё Кимёвий ҳодисаларни физикавий усуллар ёрдамида ўрганувчи фан.

ФИЗИОЛОГ Физиология олими, мутахассиси. *Баъзи физиологларнинг фикрича, узоқ вақт қанд емаслик ҳатто фикрлаш қобилиятини ҳам сусайтирар экан.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ФИЗИОЛОГИК Физиологияга оид; физиологияга дахлдор бўлган. *Физиологик жараён.* ▬ *Ҳозирча титрашнинг инсонга қиладиган физиологик ва руҳий таъсири хусусида узил-кесил хулоса йўқ.* «Фан ва турмуш».

ФИЗИОЛОГИЯ [*юн.* physis — табиат + logos — билим] **1** Одам, ҳайвон ёки ўсимлик организми ва унинг алоҳида бўлаклари — муайян системалари, аъзолари, тўқималари, ҳужайралари ҳаёт фаолиятини (пайдо бўлиш, ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, атроф муҳитга мослашиш каби жараёнларни), улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ўрганувчи фан. *Умумий физиология. Қиёсий физиология. Ўсимликлар физиологияси.*

ФИЗИОТЕРАПЕВТ Физиотерапия мутахассиси, врачи.

ФИЗИОТЕРАПЕВТИК Физиотерапияга оид. *Даволашнинг физиотерапевтик усули.*

ФИЗИОТЕРАПИЯ [*юн.* physis — табиат + терапия] Тиббиётнинг хилма-хил физик омиллар (сув, ёруғлик, иссиқлик, электр энергияси ва ш.к.) нинг организмга таъсирини ўрганувчи ва уларни касалликларни даволаш ва олдини олиш мақсадида қўллаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси. *Физиотерапия йўли билан даволаш.* ▬ *Зарур тиббиёт инвентарлари билан жиҳозланган физиотерапия кабинети дам олувчилар хизматида.* «Саодат».

ФИЗКУЛЬТУРА [*р.* физическая культура («жисмоний маданият») бирикмасининг қисқартмаси] **1** Инсон соғлигини мустаҳкамлашга ва умуман организмни ҳар томонлама чиниқтириш ва такомиллаштиришга қаратилган жисмоний машқлар. *Физкультура билан шуғулланмоқ.*

2 Шу йўналишдаги фан ва таълим. *Физкультура ўқитувчиси.* ▬ *Физкультура институтига кириш ҳам осонмас, дейишадику!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Биринчи дарс тарих, кейин она тили, алгебра, рус тили, физкультура.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ФИЗКУЛЬТУРАЧИ Доимий равишда ёки танланган касб сифатида физкультура билан шуғулланувчи шахс, спортчи. *Физкультурачилар паради.* ▬ *..Истироҳат боғидаги кўл бўйига физкультурачи қиз ҳайка-*

ли қўйилганда, «яхши жой банд бўлиб қолди», деб бўғилган эди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

ФИКР [*а.* فكر — тафаккур, ғоя; ақл, ўйлаш, ўй, хаёл, мулоҳаза] **1** Бирор нарса, ҳодиса ёки кимса ҳақида ўй, хаёл. *Фикри равшаннинг сўзи равшан.* Мақол. ▬ *Ҳанифанинг фикри бир зумда айқаш-уйқаш бўлиб қолди.* «Саодат». [*Нури*] *Тили билан Фазлиддинга ҳар хил ёқимли сўзлар сўзласа ҳам, фикри бошқа ёқларда кезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Фикрга толмоқ (*ёки* **кетмоқ, чўммоқ, шўнғимоқ**) Қаттиқ ўйланиб, хаёл суриб қолмоқ. *Ташқарига чиққандан кейин,* [*Кумуш*] *айвоннинг тумшуғига ўтирди ва ўнг қўлининг кафтига юзини олиб, фикрга толди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Афлотун танбурни чалиб, фикрга шўнғибди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Отабек*] *Бирмунча вақт фикрга кетиб ўтиргандан сўнг сўради..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор нарсага нисбатан муносабатни, уни баҳолашни ифодалайдиган ҳукм, хулоса. *Яхшини кўриб, фикр қил, ёмонни кўриб, шукур қил!* Мақол. ▬ *Боринг, қозингизни топиб, ўз фикрингизни айтинг.* У. Исмоилов, Сайланма. *У Бўтаевнинг фикрига қўшила олмади.* «Ёшлик».

Фикр юргизмоқ (*ёки* **юритмоқ**) Бирор хулосага келиш мақсадида нарса ёки ҳодисаларни таққосламоқ; улар ҳақида ўйламоқ, мулоҳаза қилмоқ. [*Шоқосим:*] *Хотинимни ҳам камбағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд қилди. Бу томонларга андак фикр юргизиб, кейин гапиринг, Ёрмат ака.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор масала, иш юзасидан бериладиган таклиф; маслаҳат. *Бу иш юзасидан қандай фикр берасиз?* ▬ *Моҳира ойим эридан фикр сўраш ўрнига қизига арз қиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аламазон газетадан Акбарнинг туркум шеърларини ўқиб, фикр билдиргиси келиб қолди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

Фикр олишмоқ Бирор масала юзасидан бир-бири билан маслаҳатлашмоқ, фикрлашмоқ. *Фикр олишув натижасида улар шундай қарорга келишди: Ҳакимбойвачча онасининг арвоҳига «хатми қуръон» қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бирор нарсага эришиш, бирор ишни амалга ошириш ҳақидаги ният, мақсад. [*Салимбойвачча*] *Гулнорнинг ахлоқсиз қиз эканини ўша вақтда фош этишга жазм қилган бўлса-да, бу фикридан дарров воз кечишга мажбур бўлган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўрчибоши уч томони девордай тик қоятош бўлган.. тоққа тахтиравон ишлатиш фикридан қайтди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Фикрига тушмоқ Бирор нарсага эришишга, бирор ишни амалга оширишга бел боғламоқ, жазм қилмоқ, шу ишнинг пайига тушмоқ. *Шундан кейин бир неча ёр-дўстлари, тўй чиқимини ўзаро устларига олишиб, уни уйлантириш фикрига тушдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Нарса ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш, мулоҳаза юритиш натижаси; тўхтам, қарор. *Демак, эркаклар ҳамма нарса тўғрисида ўйлаб, бир фикрга келишган.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Мен ўзим ҳам шу фикрга келган эдим, — деди Меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳар қандай инсон ўз фикрини билдириб, қалбини ёзишга ҳақли.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Бошлиқ ўз фикрига эга бўлмаса, қўғирчоққа айланади.* «Шарқ юлдузи».

6 Тушунча, билим; онг, ақл. *Оламнинг тузилиши ҳақидаги фикримиз такомиллашмоқда.* ▬ *-Агар киши ақлни, фикрни китобдан олмаса, қаёқдан олади? — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ақли, фикрининг теранлигини кўзлари айтиб турарди.* С. Зуннунова, Олов.

7 Жамият ҳаёти ва табиатни тушуниш йўсини; дунёқараш, маслак. *Отамнинг, ҳам ўзимнинг қандай фикр ва маслак кишиси эканлигимизни айтиб ўтмоқчи бўламан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уни ўқидингизми, инсоф билан айтинг, асарда қандай зарарли фикр бор.* Ойбек, Нур қидириб.

8 (*эгалик қўшимчаси ва* ***-ча*** *аффикси билан*) *крш. с. взф.* Айтилаётган фикрнинг қайси шахсга тегишли эканлигини билдиради. *Менинг фикримча, ватанпарварлик тарихни ўрганишдан бошланади.* «Фан ва турмуш».

ФИКРАН [*а.* فكراً — фикр юритган ҳолда, ўйлаб] *рвш. кт.* Хаёлда тасаввур қилиб, хаёл билан, хаёлан. *Фикран суҳбатлашмоқ.* ▬ *У фикран худога нола қиларди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бувниса хола фикран оламни кезиб чиқди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ФИКРАТ [*а.* فكرت – фикр, ғоя, ўй-хаёл, тасаввур] *эск.* Фикр қилиш, фикр юритиш, ўйлаш. *Модомики бу рўйи жаҳонда беш кунлик меҳмон экансан, атрофингга боқиб, фикрат қилсанг бўлмайдими?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ФИКРДОШ Бирор кимса билан бир хил фикрда, маслакда бўлган киши; ҳамфикр, маслакдош. *Кўрдингми, катта одамлар бир-бирлари билан қандай фикрдош бўлар эканлар*? С. Айний, Эсдаликлар.

ФИКР-ЁД *айн.* **фикр-зикр**. *Қизнинг фикри-ёди фронтда, шиддатли жанглар кетаётган ерларда эди.* «Саодат».

ФИКР-ЗИКР [фикр + зикр] Бутун вужуд билан орзу қилинган ўй-хаёллар. *Унинг барча фикри-зикри янгиликлар билан банд эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Яхшиларнинг топган моли тўй бўлар, Фикри-зикри эли учун ўй бўлар.* «Қўшиқлар».

ФИКРИЙ [*а.* فكرى – фикрга, ғояга асосланган, ғоявий] Фикрлаш, фикр юритиш нуқтаи назаридан; маъно жиҳатдан; маънавий. *Фикрий изчиллик. Гаплар орасидаги фикрий боғланиш.* ▬ *..шоир мисраларда* ***ранг*** *сўзини такрор келтириш орқали.. фикрий изчилликни таъминлайди.* «ЎТА».

ФИКРЛАМОҚ Бирор кимса, нарса ёки ҳодиса, жараён ҳақида муайян бир хулосага келиш мақсадида мулоҳаза юритмоқ; ўйламоқ. *Қўрбоши бу хабарни эшитиб, фикрлаб, нор дегани Гўрўғли бўлиши керак.. деб Авазхонни қамаб, банди қилади.* «Нигор ва Замон». *Ҳаёт фақат жанг, меҳнат эмас, фикрлашдан ҳам иборат.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ФИКРЛАШМОҚ Биргаликда ўйлаб кўрмоқ, мулоҳаза қилмоқ, фикр олишмоқ, маслаҳатлашмоқ. *Улар даставвал бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида фикрлашиб олгач, машинага ўтиришди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ўша куни севимли устозим билан.. кўп нарсалар ҳақида фикрлашиб олдик.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ФИКРЛАШУВ 1 Фикрлашмоқ фл. ҳар. н.

2 Бирор иш, муаммо, тадбир, режа ва ш.к. ҳақида ўзаро фикр олишув, суҳбат. *Фикрлашув дўстона вазиятда ўтди.*

ФИКРЛИ Ўйлаб, ақл билан иш тутадиган; мулоҳазали. *Хаёллар дунёси кенг, ўткир фикрли бу ҳассос қиз берилиб кичик-кичик ҳикоялар ёзар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ўзинг фикрли эдинг, ўзинг олима эдинг, халқнинг маърифатсиз, илмсизлигидан ўзинг яхши хабардор эдинг-ку!* Ҳамза, Танланган асарлар.

ФИКР-МУЛОҲАЗА Муайян шахс, воқеа-ҳодиса ҳақидаги, одатда, шахсий қарор, хулоса. *Бу мулойим, қоши қора, унча сўзамол бўлмаса ҳам, фикр-мулоҳазаси кучли бу олим.. жамоат ишларига фаол қатнашарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Томошабинларнинг жуда кўплаб фикр-мулоҳазалари унинг шубҳасиз муваффақиятидан далолат берарди.* Газетадан.

ФИКР-ХАЁЛ, фикру хаёл *айн.* **фикр-зикр**. [*Йўлчи*] *Куннинг иссиғида кетмон ташларкан, фикру хаёли ҳалиги деҳқонда бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозир ўзим шу ерда ўтирибман-у, фикру хаёлим бошқа нарса билан банд.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ФИКР-ЎЙ *айн.* **фикр-хаёл**. *Шу фикр-ўй билан Пошшахон бозор қизи бўлиб ўсди, вояга етди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ФИКСАЖ [*фр.* fixage – мустаҳкамлаш < *лот.* fixus – мустаҳкам, барқарор, қатъий1] Фотоқоғоз, пластинка ёки плёнкага туширилган расмларнинг тасвирини сақлаш, мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган кимёвий эритма.

ФИЛ [*а.* فيل < *ф.* پيل] *зоол.* **1** Африка ва Осиёда яшайдиган, сутэмизувчилар синфига мансуб, сиртга чиққан иккита узун, курак тишли ва бақувват хартумли, ўсимликлар билан овқатланувчи улкан жуссали ҳайвон. *Қуруқда яшовчи ҳайвонларнинг энг йириги филдир.* «Зоология». *Чивин кўплашса, филни йиқитади, деган гап бор.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шахмат тахтасида бурчак ҳаракати (диагональ) бўйича истаган катакка юра оладиган сипоҳ. [*Шайхулислом*] *Э.. Э.. ғалат, филингизни кўрмабман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 *кўчма* Бақувват, қудратли, катта имкониятларга эга. *Халилов билан баҳслашиб ўтириш шартми! Халилов – фил, сен – қўчқор.* И. Раҳим, Ихлос.

Филдан пашша ясамоқ *ёки* **пашшани фил қилмоқ** Ошириб юбормоқ, кўпиртирмоқ; муболаға қилмоқ. *Сиз, ўртоқ Рафиқ, пашшадан фил ясамоқчи бўласиз!* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *-Уззукун пашшани фил қилиб, қаёқдаги гапларни чулғатиб юрдин-*

гиз. А. Муҳиддин, Ҳадя. *У.. рост-ёлғон хабарларнинг пашшасини фил қилиб етказиб, уйимизни куйдирди.* С. Айний, Қуллар.

ФИЛ-, ФИЛО- [*юн.* philos – дўст, меҳрибон, севувчи < phileo – севаман] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсани севувчи, бирор нарсага мойил, мухлис; бирор нарсани дўст тутувчи каби маъноларни билдиради, мас.: *филармония, филология.*

ФИЛАНТРОП [*юн.* philanthropos] Филантропия билан шуғулланувчи, хайр-эҳсон қилувчи, саховатли киши

ФИЛАНТРОПИЯ [*юн.* philanthropia – одамсеварлик < фило.. + *юн.* anthropos – одам, инсон] Хайр-саховат, эҳсон, муҳтожларга ёрдам.

ФИЛАРМОНИЯ [фило.. + *юн.* harmonia – уйғунлик, оҳангдошлик] Мусиқа санъатини тарғиб қилувчи ва концертлар қўйиш иши билан шуғулланувчи маданий муассаса. *Ўзбек давлат филармонияси.* ▬ *У шу ниятини филармониядаги оғайнисига айтган эди, бу гап унга ҳам ёқди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ФИЛАТЕЛИСТ Филателия билан шуғулланувчи шахс; филателия ишқивози.

ФИЛАТЕЛИЯ [фило.. + *юн.* ateleia – тўловдан озод қилиш] Почта маркалари ва гербли маркаларни, умуман маркали, штампли конвертларни коллекция учун йиғиш, сақлаш ва ўрганиш.

ФИЛБОН [*ф.* پيلبان / فيلبان – фил боқувчи, сақловчи] Фил боқувчи ва филни ҳаракат пайтида бошқарувчи киши. *Филбондан ошнанг бўлса, дарвозангни катта қил.* Мақол. ▬ *Филбонларнинг ҳайқириғи остида азамат йигитлар юкни тушириб, бурунлари ерга теккундай букчайиб ташийдилар.* Ойбек, Навоий. *Фил ҳайдовчилар, яъни филбонлар уни ювинтириб, қашлаб боқади.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ФИЛЖУМЛА [*а.* فى الجمله – хулласи калом] *кт. кам қўлл.* Қисқасини айтганда, хулласи калом, сўзнинг қисқаси; ҳаммасини бирга олиб айтилса. *Филжумла, мазкур шеър Исфандиёр тўра хусусинда бўлмай, зоти паст, бадфеъл бир бетавфиқ борасиндадир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ФИЛИАЛ [*лот.* filialis – ўғилга оид, ўғилники] Бирор йирик корхона, муассаса ёки жамоат ташкилотининг мустақил бўлими, шўъба. *Илмий-тадқиқот институтининг филиали.* ▬ *Бешёғочда «Семурғ» фирмасининг филиали бор.* Газетадан.

ФИЛМОЙ *зоол.* Каспий, Орол, Қора денгиз ҳавзаларида яшайдиган, ов қилинадиган, осётрсимонлар оиласига мансуб йирик балиқ.

ФИЛОГЕНЕЗ [*юн.* phyle – уруғ, қабила, тур + genesis – келиб чиқиш, тарқалиш] *биол.* Бутун органик дунёнинг, жумладан, унинг айрим гуруҳлари (тип, синф, оила, тур ва ш.к.) нинг тарихий тараққиёт жараёни.

ФИЛОЛОГ [*юн.* philologos – доноларча суҳбатни севувчи] Филология соҳаси тадқиқотчиси, филология мутахассиси; филолог-олим. *Сиз филологсиз-ку, билсангиз керак: кўз ёшини қақраган ташна ерларга эмас, боғу бўстонга қуйган булутни сахий демаслар..* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ФИЛОЛОГИК Филологияга оид. *Филологик тўплам. Филологик тадқиқот.* ▬ *Филологик изланишлар.. қилаётган кишилар.. махсус филологик тайёргарлик кўрган, юқори ихтисосли мутахассислардир.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ФИЛОЛОГИЯ [фило.. + *юн.* logos – сўз] У ёки бу халқнинг у ёки бу даврда тил ва адабиётда ифодаланган маданияти ҳақидаги фанларнинг умумий номи; тил ва адабиёт ҳақидаги билимлар мажмуи. *Ўзбек филологияси. Роман-герман филологияси. Университетнинг филология факультети.* ▬ *Атиги уч йил илгари филология факультетини битирган эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ФИЛОСОФ [*юн.* philosophos – доноликни, донишмандликни севувчи] *қ.* **файласуф.**

ФИЛОСОФИК *қ.* **фалсафий.**

ФИЛОСОФИЯ [*юн.* philosophia < фило.. + *юн.* sophia – донишмандлик] *қ.* **фалсафа**.

ФИЛЬМ [*ингл.* film – парда, қобиқ] *кино* **1** Теле-, видео- ёки кинокартина: ягона сюжет билан боғлиқ, кетма-кет плёнкага олинган ва экранда намойиш қилишга мўлжалланган фототасвирлар мажмуи (*яна қ.* **кинофильм**). *Овозсиз фильм. Бадиий фильм.* ▬ *Дастлаб кинотомошабинлар ўзбекчалаштирилган фильмларни кўриб, ҳайрон бўлишган.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Кеча охирида «Кўринмас киши» бадиий фильми намойиш қилинди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Кинофильмнинг кинотеатрларда намойиш қилинадиган бир нусхаси.

ФИЛЬМ-КОНЦЕРТ Мусиқавий томошанинг, концертнинг кинофильмга олинган ҳолати; кинофильмларда ижро этилган куй ва қўшиқлардан иборат алоҳида фильм. *..суриштириб кўрса, машҳур.. «Дутор-гитар» ансамбли ҳақида фильм-концерт суратга олинаётган экан.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ФИЛЬМОСКОП [фильм + *юн.* skopeo — қарайман] Диафильмдаги кўзғалмас тасвирларни дурбинсимон трубка орқали ёки оқ пардага тушириб намойиш қилишга мўлжалланган аппарат. *Ўйинчоқ фильмоскоп. Ўқув фильмоскопи.*

ФИЛЬМОТЕКА [фильм + *юн.* theke — қути; омбор] **1** Кинофильмларни тўпловчи ва сақловчи, уларни тарғибот қилувчи жой, омбор; муассаса. *..қурилажак мактаб лойиҳаси тузилганда, ўқув фильмлари сақланувчи фильмотекалар ва фильмлар кўриги ўтказиладиган махсус залларни ҳам эсдан чиқармаслик керак.* А. Иброҳимов, Фильм ҳам китоб.

2 Киноленталар йиғиндиси, мажмуи.

ФИЛЬТР [*фр.* filtre < *лот.* filtrum — кигиз, намат] **1** Суюқлик ёки газларни кераксиз аралашмалардан тозалаш учун хизмат киладиган мослама, сузгич. *Тўр фильтр. Противогаз фильтри. Винони фильтрдан ўтказмоқ.* ■ *..сувлар шағал, қумлар ва ер остидаги бошқа жинслар орасидан сизиб, фильтрдан ўтгандек тозаланиб келади, натижада чучук, зилол сув бўлиб қолади.* Газетадан.

2 Электр занжирига уланадиган ва маълум частотадаги электр токи, электромагнит, ёруғлик нурлари ёки товуш тўлқининигина ажратиб ўтказадиган асбоб. *Акустик фильтр. Электр фильтри.*

ФИЛЬТРАЦИЯ [*ингл.* filtration < *лот.* filtrum — кигиз] **1** Фильтрдан сиздириб ўтказиб тозалаш, фильтрлаш.

2 Сувнинг ғовак қатламлардан табиий ҳолда сизиб, тозаланиб ўтиши, фильтрланиши.

ФИЛЬТРЛАМОҚ Фильтрдан ўтказмоқ, сузмоқ. *Фильтрлаш лабораториясида лойқа суюқликларни тозалаш учун улар фильтрланади.* «Фан ва турмуш». *Корхона мутахассислари ишлаб чиққан махсус мослама цехлар ҳавосини фильтрлаб беради.* «Фан ва турмуш».

ФИЛЬТРЛИ Тозалаш мосламасига эга; тозалаш хусусияти мавжуд. *Заводнинг бош корпусида, цехлар ва участкаларда фильтрли камералар ўрнатилган.* Газетадан. [*Қиз*] *Фильтрли сигарет чекиб ўтирибди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ФИЛҒОН *бот.* Ҳайвонларга овқат бўладиган бир турли ўт. *Қўй ейдиган филғон билан.. ерга ёпишиб ўсадиган ўтлар ҳам онда-сонда кўриниб қолади.* А. Шермуҳамедов, Ўт-ўланлар водийси.

ФИЛҲАҚИҚАТ [*а.* فی الحقیقت — ҳақиқатдан, аслини олганда] *рвш. эск. кт.* Ҳақиқатан ҳам, чиндан ҳам; дарҳақиқат. *Филҳақиқат, она тилининг асли туғанмас олтин конларини ёш Навоийнинг мўъжизали қалами кашф этди.* Ойбек, Навоий.

ФИЛҲОЛ [*а.* فی الحال — дарҳол, дарров] *рвш. эск. кт.* Тезлик билан, ҳозирнинг ўзида; дарҳол. *Отаси буюрдики, филҳол анвои лазиз таомлардин пиширгайлар.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. *Филҳол тилини кестиринг, қулоғимиз тинсин!* К. Яшин, Ҳамза.

ФИМОЗ [*юн.* phimosis — тортишиш, торайиш] *тиб.* Эркаклар таносил аъзоси чекка кертмак қисмининг тор бўлиши, торайиши (кўпинча болаларда учрайдиган бу нуқсон туғма ёки яллиғланиш, жароҳат натижаси бўлиши мумкин).

ФИН *қ.* **финлар.** *Фин тили. Фин халқи. Фин аёли.*

ФИНАЛ [*ингл.* finale < *лот.* finis — охирги, сўнгги] **1** Мусиқа, драма, опера, балет, кинофильм ёки адабий асарнинг охири, тугалланувчи қисми, хотимаси. *Комедиянинг финали. Операнинг финали. Поэманинг финали.* ■ *Поэманинг финалида эса Зайнаб билан Омоннинг бахти бутун халқнинг бахти каби янграйди.* «Ўзбек адабиёти» дарслиги. *Кинoочеркдаги олтин тўй эпизоди аслида фильмнинг финали ҳисобланади.* Газетадан.

2 Спорт мусобақаларида ўйин ғолибини белгилайдиган охирги, ҳал қилувчи босқич. *Шахмат мусобақасининг финали. Финалда ўйнамоқ. Финалга чиқмоқ. Ярим финал. Чорак финал.*

ФИНАЛИСТ *айн.* **финалчи.**

ФИНАЛЧИ Спорт мусобақасида финалга — охирги маррага чиққан ўйинчи.

Бугун.. бошланадиган якунловчи учрашувлардан кейин финалчилар аниқланади. Газетадан.

ФИНЖОН [*а.* فنجان < *ф.*] *эск.* Дастали (сопли) пиёла, чинни кружка. *Хайрлашаётиб бир финжон тутди. Улар сопли пиёлани шунақа дейишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ФИНИШ [*ингл.* finish – тугаш, тугалланма] **1** Югуриш мусобақаларининг ва пойгаларнинг охирги, ҳал қилувчи босқичи, қисми. *Финиш мусобақаларида қатнашмоқ.*

2 Шундай мусобақаларнинг охирги марраси; марра. *Финишга биринчи бўлиб етиб келмоқ.*

ФИНКА [*р.*] Енги калта ёзлик кўйлак. *Кейин эшик зарб билан очилди-да, катта енгил гулдор финка кийган Карим кўринди.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.

ФИНЛАР Финляндиянинг туб аҳолиси; фин халқи.

ФИНЧА 1 Финляндия ҳудудига, фин халқига оид, тегишли. *Финча уй. Финча қўшиқ.*

2 Фин тили. *Сен финча(ни) биласанми? Финча гапирмоқ.*

ФИРДАВС [*ф.* فردوس – жаннат, жаннат боғи] *кт. айн.* **жаннат 1, 2**. *Қани, илоҳим, додхоҳнинг бу дунёда мансаб ва равнақлари сарбаланд бўлиб, охиратда фирдавсга сазовор бўлсинлар.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ФИРДАВСМОНАНД Жаннатга ўхшаган, жаннатсимон. *Аммо Хўқанди фирдавсмонанднинг ўзида ул саховатпешалар беҳад ва беҳисоб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бугун қутламоқда сизни Самарқанд, Самарқандки, шаҳри фирдавсмонанд.* Н. Нарзуллаев, Ёғду.

ФИРИБ [*ф.* فریب – алдовчи; алдамчилик; йўлдан оздириш; ҳийла, макр] Кишини қасддан адаштириш, қўлга тушириш, алдаш; ҳийла-найранг, макр. *Ишинг фириб, ҳийла экан сўзларинг, Юзинг қонсиз, ола экан кўзларинг.* «Равшан». *Унинг чақчайганроқ кўзларида муаллим қандайдир шайтоний фириб ва нафрат сезди-да, аламдан қалтираб, деворга суянди.* Ойбек, Нур қидириб.

Фириб бермоқ (*ёки* **қилмоқ)** Найранг ишлатмоқ, алдамоқ, қўлга туширмоқ. *Насим, кўзингизни лўқ қилиб, фириб беради.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Гоҳ кимнингдир пинжига кириб, Сездирмасдан берарди фириб.* А. Пўлкан, Изҳор. **Фириб емоқ** Бировга алданмок, алданиб қўлга тушмоқ; панд емоқ. *Соддадиллик қилиб, фириб еди-ю, қаҳрамонлик қилиб, ўзини оқлади.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Душман фирибин ема ва маддоҳ хушомадин чин дема.* «Ҳикматли сўзлар». **Шайтонга фириб беради** Ҳийла-найрангда шайтонни ҳам йўлда қолдирадиган, ўтакетган фирибгар. *Баъзи бировлардай шайтонга фириб берадиган маккор, устомон бўлгандан, аслида шунақа соддалик ҳам дуруст.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

ФИРИБГАР [*ф.* فریبگر – фириб берувчи, ҳийлагар, алдоқчи] *салб.* Алдамчилик, товламачилик, макру ҳийла билан шуғулланувчи кимса; товламачи, ҳийлагар. *Фирибгар ёндиради, ҳақиқатчи қондиради.* Мақол. *Заргар фирибгар бўлса, олтин занглар.* Мақол. ▬ *Рузвон отин жуда фирибгар хотин экан.* «Юнус пари».

ФИРИБГАРЛИК Алдамчилик, ҳийлагарлик. *У* [*Навоий*] *ўз рубоийларида.. мунофиқлик, ёлғон сўзлаш, дангасалик ва фирибгарлик каби хислатларни қаттиқ қоралади.* «Ватан адабиёти». *Фирибгарлик йўли билан илмий унвон олган кишининг умри руҳий азобда ўтади.* Р. Усмонов, Одобнома.

ФИРМА [*итал.* firma – имзо] **1** Юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланувчи хўжалик, саноат ёки тижорат корхонаси (компанияси). *Марғилон «Атлас» фирмаси. «Қизил тонг» фирмаси.* ▬ *Иккинчиси, чет эллардаги илғор фирмалар билан алоқа боғламаган биронта ҳам корхона бўлмаслиги лозим.* Газетадан.

2 *с.т. сфт.* Юқори сифатли маҳсулот тайёрлайдиган ёки хизмат кўрсатадиган. *Жиззахдаги пластмасса заводининг янги фирма магазинидан харид қилинган чашка қўлингиздан тушиб кетса ҳам синмайди.* Газетадан.

ФИРОҚ [*а.* فراق – айрилиқ, жудолик, ҳижрон; ташлаб кетиш] **1** Энг яқин, севимли кишидан жудо бўлиш, айрилиш ва бу туфайли тортиладиган руҳий азоб; айрилиқ, жудолик, ҳижрон. *Мардни ўлдирар фироқ, Номарддан номус йироқ.* Мақол. ▬ *Қайси дилдор ўз ёрига фироқ изтиробини раво кўради.* М. Жўра, Изтироб. *Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг.. фироқида куйиб, ётиб қолибдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Инжиқлик, эркалик; тантиқлик, нозу истиғно. *Тўфахон, фироқ билан қош чимириб, «билганингиз» дегандай елка учириб қўй-*

ди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *У ҳам сал нарсага зарда, фироқ қиладиган бўлиб қолди.* «Муштум».

3 Жаҳл, зарда. *Хадича хола фироқ қилиб, уйга кириб кетди.* Т. Алимов, Совға. *-Ийе, ҳа, фироғинг кимга, ҳазил ҳам қилиб бўлмайдими ёки арпангизни хом ўриб қўйдикми? — деди Шаҳло Зуҳрага.* Р. Файзий, Дугоналар.

ФИРУЗ *айн.* **феруз 1-3**.

ФИРУЗА 1 *айн.* **феруза 1**. *Фируза кўзли узук.* ▬ *Фируза, лаъл, зумрад каби нодир тошлар Шарқда жуда машҳур ва қадрли бўлган.* М. Мирбобоев, Конлар юрти.

2 *айн.* **феруза 2.** *Фируза осмон ҳаддан ташқари тоза эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Ҳар оқшом фируза каби уфқлар, зардан қулоғига сирға тақади.* Уйғун.

3 Фируза (хотин-қизлар исми).

ФИРЪАВН [*а.* فرعون — золим, мустабид < *қад. миср.* per-o — подшоҳ саройи] *тар.* Қадимги Миср подшоҳларининг унвони, фахрий номи. *Мисрни биласизми, Эски Мисрни? Шунда фиръавнларнинг эҳромлари бор.* Ғ. Ғулом. *Фиръавнлар, шаҳаншоҳлар кетдилар ҳам йўқ бўлиб, Нигоҳларни то бу чоғлар ёндирасан чўғ бўлиб.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ФИРҚА [*а.* فرقه — гуруҳ, тўда; партия; жамоа] *эск.* **1** Мақсади, ғояси, дунёқарашининг муштараклиги жиҳатидан бирлашган кишилар гуруҳи; гуруҳ, тўда. *Мусулмонқул кутмаган жойда қўшинидан бир туркуми ўз устига ҳужум бошлаб ва бир фирқаси Тошкент йигитлари томонига қочиб ўтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *айн.* **партия** I. *Агар шундай қилсанг, фирқасининг сиёсатини бузиб ўтган бўласан.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ФИРҚАВИЙ [*а.* فرقه‌وی — фирқага оид] *эск. айн.* **партиявий.**

ФИРҚАЛИ *эск. айн.* **партияли.** *Фирқалилар билан қишлоқ камбағалларининг бирлашган мажлисида 44 киши иштирок этди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ФИРҚАСИЗ *эск. айн.* **партиясиз**. *Биринчи орзуим шуки, бундан сўнг фирқасиз бўлиб юрмасанг, фирқага кирсанг.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ФИСҚ [*а.* فسق — бузуқлик, ахлоқсизлик, фаҳш] **1** Бировнинг орқасидан ёмонлаб тарқатилган уйдирма гап-сўз; ғийбат, иғво. *[Қодиров билан Султонов] Даъволарини исбот қилиш учун далил тополмай, энди фисқ, туҳмат, иғво йўлига қадам босганлар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Ахлоқий бузуқлик, фаҳш. *Кеча фисқ ўлса, кундуз зулм пеша. Тишу тирноғи қайралган ҳамиша.* Ҳабибий. *Ҳақиқатгўйлар оёқ остида, Мўътабар бўлди фисқу коримиз.* Ҳамза.

ФИСҚ-ФАСОД, фисқу фасод [фисқ + фасод] Бирор кимса тўғрисида тарқатилган уйдирма гап; туҳмат, бўҳтон. *Улуғбекнинг илм билан шуғулланишини руҳонийлар даҳрийликка йўйиб, унга қарши фисқ-фасод уюштирдилар.* «Фан ва турмуш». *Ҳожар холанинг муомаласидан ҳам иғво, фисқ-фасод анқиб туради.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ФИСҚ-ФАСОДЧИ Ёлғон-яшиқ гапларни тарқатувчи, ғийбатчи; иғвогар; бўҳтончи.

ФИСҚ-ФУЖУР, фисқу фужур [фисқ + *а.* فجور — ахлоқсизлик, бузуқлик, шаҳват] **1** *айн.* **фисқ-фасод**. *Шербек ўзи ҳақида бир вақт Акрамнинг Нигорага айтган фисқ-фужур гапларини эслаб, кинояли жилмайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Саройнинг фисқу фужурга, разолатга тўла рутубатли ҳавосию мармар ҳовузлардаги салқини — барча-барчаси ўтмишга чекинди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Ношаръий, гуноҳ ишлар, ахлоқий бузуқликлар; фаҳш. *Фисқ-фужур, май ёлғиз Ҳусайн Бойқаронинг гавдасига эмас, балки бутун маънавий сиймосига ҳам таъсир этган эди.* Ойбек, Навоий.

ФИТНА [*а.* فتنه — мафтун этиш; йўлдан оздириш; исён, ғалаён] *салб.* **1** Ғаразли мақсадга эришиш йўлида бировни қоралаш учун қилинадиган яширин хатти-ҳаракат, бузғунчилик. *Фитна тўқимоқ. Орага фитна солмоқ. Фитна қўзғамоқ.* ▬ *Шу фитнани уюштирган одам Бўтанинг саводсизлигидан, узоқни кўролмаслигидан фойдаланиб, шу ишни қилган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қораилон билан ўйнашиб бўлмайди! Амирзодалар орасига нифоқ солиб, фитна билан не-не кишиларни ёқалаштирадиган ҳам Қораилон!* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Маълум сиёсий мақсадга эришиш ниятида яширин тил бириктириш йўли билан давлатга, сиёсий раҳбарга, ташкилотга ёхуд шахсга қарши қилинган ҳаракат. *Фитна уюштирмоқ.*

3 *кам қўлл. айн.* **фитначи**. *Фитна одам.* ▬ *Бундай фитна хотинни кўрмаганман.* С. Зуннунова, Олов.

4 *с. т.* Уришқоқ, жанжалкаш. *Ўзингиз биласиз, фитна одамлар кўп.* А. Қаҳҳор, Сароб. *-Одамзоднинг фитнаси ёмон бўлади. Кўнгли очиқликка не етсин, — деди Иноғомжон.* Мирмуҳсин, Умид.

ФИТНАГАР [*а.* + *ф.* فتنه‌گر – фитначи, фитна қилувчи] Фитна иши билан шуғулланувчи; фитнаю фасодни ҳунар қилиб олган, фитначи. *Фитнагар олам аро фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ФИТНАКОР [*а.* + *ф.* فتنه‌کار – фитна қилувчи] *айн.* **фитнагар**. *Ичи унинг гўё мудҳиш жаҳаннам, Кўп яхшидир бир фитнакор бўлса кам.* Ҳ. Олимжон.

ФИТНАКОРЛИК Доимий равишда фитна билан шуғулланиш, фитнани ҳунар қилиб олиш. *..муфти олиб борган барча фитнакорлик ишлардан хабардорлиги Мирзони ажаблантирмас, муфти сўзларининг туб мақсади устида ўйларди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ФИТНАЛИК *айн.* **фитнакорлик.** *Қўймади разиллар ўз фитналигин.* Ғ. Ғулом, Ташаккурнома.

ФИТНА-ФАСОД [фитна + фасод] Ғаразли мақсад билан қилинадиган иш, хатти-ҳаракатлар мажмуи. *Ўзинг бир вақт фитна-фасоддан нолиган эдинг.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ФИТНА-ФАСОДЧИ Ғаразли ҳаракатлар, уйдирма гап-сўзлар билан шуғулланувчи шахс, ғаламис, иғвогар.

ФИТНАЧИ Бузғунчилик ва тўполонлар сабабчиси, фитна уюштирувчи; ғаразли ҳаракатлар иштирокчиси. *Фитначилар амир Шоҳмалик жўнаб кетган куннинг эртаси тунда аркка ҳужум қилдилар.* Б. Аҳмедов, Улуғбек. *Фарғонада мени Азизбекнинг шеригидир, деб ўйлашлари ва сени бир фитначининг ўғли, деб танишлари эҳтимолдан йироқ эмасдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ФИТО- [*юн.* phyton – ўсимлик] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўсимликларга ёки ўсимликлар ҳақидаги фанга алоқадорликни билдиради, мас., *фитобар, фитопатология.*

ФИТОБАР [фито.. + бар] Дорихоналарнинг, баъзан магазинларнинг ўсимликлардан тайёрланадиган маҳсулотлар (йиғма, дамлама, қайнатма, бальзам) билан савдо қилувчи бўлими. *Краснодарда аҳоли хоҳишига кўра «Флора» фитобари очилди.* «Фан ва турмуш».

ФИТОНЦИД [фито.. + caedere – ўлдирмоқ] *биол.* Ўсимликлар ажратиб чиқарадиган зарарли микроорганизмларнинг кўпайиши ва ривожланишига қаршилик қилувчи модда, суюқлик. *Уй ўсимликлари ўзидан фитонцидлар чиқариб, зарарли микроорганизмларни ўлдиради.* Газетадан.

ФИТОПАТОЛОГИЯ [фито.. + патология] Ўсимлик касалликлари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақидаги фан.

ФИТОТЕРАПИЯ [фито.. + терапия] Тиббиётнинг касалликларни ўсимликлар ёрдамида даволаш усулларини ўрганувчи бўлими.

ФИТОФАГЛАР [фито.. + *юн.* phagos – ютувчи, емирувчи] Фақат ўсимликлар билан озиқланувчи ҳайвонлар.

ФИТР [*а.* فطر – рўзанинг тугаши, оғиз очиқлик; рамазон ҳайитида бериладиган эҳсон, садақа] *дин.* **1** Рўзанинг тамом бўлиши; рўза тамом бўлиши билан одатдагича овқатланиш ҳуқуқига эга бўлиш.

2 Рўза охирида камбағалларга, муллаларга бериладиган садақа, эҳсон. *Ҳосилнинг ўндан бири ҳисобида мачитга бериладиган ушур, моҳи рамазонда жон бошига бериладиган фитр, имомга, миробга, сартарошга бериладиган капсан.. қўйинг-чи, ҳаммаси ана шу шўрлик чоракорга тегадиган тўртдан бир бўлак устида.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўтган ҳафта мулла Қудратга ўттиз сўм фитр пулиям бердим.* М. М. Дўст, Галатепа қиссаси.

Фитр(и) рўза 1) рўза тамом бўлиши билан камбағалларга бериладиган садақа; 2) рўза тутмаган кишиларнинг ўз гуноҳларини ювиш учун мулла, имомга берадиган садақаси. *Аммо мен бўлсам, топган фойдаларимнинг ярмини ҳамиша хайру садақага сарф қиламан: имомга фитри рўза бераман, халқни қурбонлик гўштидан зиёфат қиламан.. Буларнинг бари садақа.* С. Айний, Дохунда.

ФИҚҲ [*а.* فقه – билим, тушунча; мусулмон ҳуқуқи] *эск.* Дин, шариат қонун-қоидалари ҳақидаги фан, ислом ҳуқуқшунослиги, илоҳиёт. *У мантиқ, фиқҳ, фалакиёт илмларини четлаб ўтолмади.* «Шарқ юлдузи». *Бобур фиқҳнинг баъзи бир масалалари юза-*

сидан олимдан фикр сўради. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ФИҚҲИЙ [*а.* فقهى — фиқҳга оид, тегишли] Шариат қонун-қоидаларига оид. *Ҳадисларнинг биринчи тўплами кўпинча фиқҳий-ҳуқуқий масалаларга оид ҳадисларни ўз ичига олган.* Газетадан.

ФИҒОН [*ф.* فغان — бақириқ, дод-вой; фарёд, йиғи] Қаттиқ хафа бўлиш, қайғуриш, алам чекиш туфайли юз берадиган йиғи-сиғи; нола, фарёд. *Она фиғон билан югуриб келиб, миршаб қўлига осилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қурбонинг бўлайин, эй онажоним, Сенинг фарёдларинг — менинг фиғоним.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

Фиғон чекмоқ *(ёки* **тортмоқ)** Дод-фарёд кўтармоқ, нола қилмоқ, мунгли товуш чиқармоқ. *Танбур мунгли товушда фиғон чека бошлади.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Қандайдир ҳашарот чийиллаб фиғон чекади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бу ерларда қайғу муттасил кезар. Бу ерда шамоллар тортарди фиғон.* Ғ. Ғулом. **Фиғони ошмоқ (***ёки* **чиқмоқ**) Жуда жаҳли чиқмоқ, жиғибийрон бўлмоқ. *Буни кўрган Гулчеҳранинг фиғони ошди, чин юракдан ачинди.* Газетадан. *Ашурали қизнинг бўш келмаётганлигидан фиғони ошди.* «Шарқ юлдузи». *Фиғони чиқиб Жалиловнинг ўзи етиб келди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Фиғони фалакка** *(ёки* **кўкка, осмонга) чиқмоқ (***ёки* **кўтарилмоқ)** Ҳаддан ташқари хафа бўлмоқ, тутақиб кетмоқ. *Инобатнинг фиғони фалакка чиқди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Чолнинг фиғони кўкка чиқиб, уларни олдига солиб қувиб кетди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

ФИҒОНЛИ Қайғу-ҳасратга тўла; қайғули, ғамгин. *Солистлар Фурқат ғазалига ёзилган фиғонли, ғамгин қўшиқларни ижро этадилар.* Газетадан.

ФЛАГМАН [*нем.* Flaggemann < *голл.* vlag — байроқ + man — одам] **1** Флот ёки йирик ҳарбий кемалар қўшилмаси қўмондони.

2 Қўмондон жойлашган ва унинг байроғи кўтариладиган кема.

3 *кўчма* Илғор, етакчи; бош, асосий, муҳим. *Навоий кон-металлургия комбинати — Ўзбекистон кимё саноатининг флагмани.*

ФЛАГШТОК [*нем.* Flaggenstok < *голл.* flaggestok] Кемада байроқни кўтариш учун хизмат қиладиган тик ёғоч, хода.

ФЛАКОН [*фр.* flacon < *лот.* flasco, flasconis — шиша идиш, бутилка] Атир, одеколон, вино, дори қуйиш учун ишлатиладиган кичикроқ шиша идиш. *Муқаддам флакондаги дорини шприцга тортиб олди-да, игнасини юқорига кўтарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФЛАМИНГО [*порт.* flamingo < *лот.* flamma — аланга, олов] *зоол.* Тропик ва субтропикларда тарқалган, пушти ёки қизил патли, узун бўйинли ва узун оёқли қуш тури.

ФЛАНГ [*фр.* flanc — ён томон] *ҳарб.* Қўшин ёки кемалар сафининг ўнг ёки сўл томони, ён томони, қаноти. *Ражабов ўз пулёмети билан немис флангидан айланиб ўтиб, душманнинг орқа томонидан уриб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ФЛЕЙТА [*итал.* flauto, *нем.* Flöte] Ёғочдан ясалган, найсимон, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. *Флейта — оркестрнинг юқори товушларини берадиган, ёғочдан ясалган духовой [пуфлама] асбоб.* И. Акбаров, Музика саводи.

ФЛЕЙТАЧИ Флейта чалувчи созанда.

ФЛЕКСИЯ [*лот.* flexio — эгилиш, букилиш] *тлш.* Сўз ўзгаришларида намоён бўладиган грамматик категориялар мажмуи кўрсаткичи; қўшимчалар қўшилиши ёки асос (негиз)даги баъзи товушларнинг ўрин алмашиниши натижасида сўзларнинг дастлабки шаклини йўқотиши ёки ўзгартириши.

Ички флексия Сўз шаклларининг, баъзан янги сўзларнинг асос таркибидаги (кўпинча унли) товушларни ўзгартириш орқали ҳосил қилиниши.

ФЛЕКТИВ *тлш.* Флексия хусусиятига эга бўлган; флексияга оид.

Флектив тиллар Морфологияда, баъзан сўз ясалишида флексия ҳодисаси устунлик қиладиган тиллар.

ФЛОМАСТЕР [*ингл.* flowmaster < flow — оқим + master — хўжайин, соҳиб] Найчасимон ғовак стерженга шимдирилган махсус бўёқ билан ёзиш ёки расм чизиш учун хизмат қиладиган асбоб; бўёққалам. *Саодатнинг фломастери йўқолиб қолди. Мамаюсуфнинг қистови билан портфеллар тинтув қилинди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ФЛОРА [*лот.* Flora — Рим мифологиясида: гуллар, баҳор ва ёшлик маъбудаси < flos, floris — гул] Ер куррасининг бирор қисмида ёки бирор геологик даврда мавжуд бўлган барча ўсимликлар мажмуи; ўсимлик-

лар дунёси. *Ўзбекистон флораси. Зарафшон флораси. Денгиз флораси.*

ФЛОТ [*голл.* vloot, *фр.* flotte] **1** Муайян бир вазифа бажарадиган ёки маълум бир соҳага, ҳудудга мансуб кемалар мажмуи. *Ҳарбий-денгиз флоти. Балиқ овлаш флоти. Денгиз флоти. Дарё флоти.* ▬ *Ривоятларга қараганда, Архимед Сиракузи шаҳрини қамал қилган Рим флотининг барча кемаларини ботиқ кўзгулар ёрдамида ёндириб юборган.* «Фан ва турмуш».

2 Ҳарбий-денгиз кемаларининг катта қўшилмаси (*айн.* **флотилия**).

Ҳаво флоти Мамлакатнинг ҳарбий ҳамда фуқароларга хизмат кўрсатадиган учиш аппаратлари мажмуи; авиация. *Ҳабиб.. уруш тамом бўлгач, албатта, ҳаво флоти хизматига ўтиб кетишини тўлиб-тошиб ёзган эди.* С. Зуннунова, Олов.

ФЛОТИЛИЯ [*фр.* flottille] **1** Дарё ва кўлларда, баъзан эса ёпиқ денгизда хизмат қиладиган ҳарбий кемалар қўшилмаси. *Амударё флотилияси. Каспий флотилияси.*

2 Муайян вазифа бажарувчи (ов, экспедиция ва ш.к.) кемалар отряди. *Кит овловчи флотилия. Сувости флотилияси.*

ФЛЮГЕР [*нем.* Flügel, *голл.* vleugel – қанот] Кема мачтасига ёки баланд хода, бино гумбази учига ўрнатилган, шамолнинг йўналиши ва тезлигини ўлчаш учун хизмат қиладиган қурилма, асбоб.

ФЛЮОРОГРАФИЯ [*лот.* fluor – оқим + *юн.* grapho – ёзаман] Рентгенодиагностика усули: инсон аъзоларининг нурланувчи экрандаги рентген тасвирини унчалик катта бўлмаган фотоплёнкага кўчириш.

ФЛЯГА [*нем.* Flasche – шиша (идиш)] **1** Елкага, камарга осиб ёки чўнтакда олиб юриладиган кичик япалоқ сувдон. *Ҳар куни эрталаб, йўлга чиқишда олинадиган бир фляга сув сал ўтмасданоқ исиб қолади.* О. Ёқубов, Излайман. *Ориф флягасидаги охирги қултумни ярадорнинг сувсизликдан тарсиллаб ёрилиб кетган лабига тутди.* А. Эшонов, Тонготар таронаси.

2 Суюқ нарсалар (сут, ёғ ва ш.к.) ни сақлаш ёки ташиш учун ишлатиладиган, бандли катта идиш. *Сут қуйиладиган фляга.* ▬ *Хотин-халаж даладан чиқиб, ўчоқ бошидаги катта флягадан чўмичлаб сув ича бошлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ФОЖЕ *айн.* **фожи(ъ), фожиали.** *..Кечаги фоже кунларимни сўрамай қўя қол.* Миртемир, Тингла, ҳаёт! *Унутишга арзир бахт, шон-шуҳрат, бошқа.. Унутилмас нарса фақат фоже Ватандир.* Р. Парфи, Кўзлар.

ФОЖЕИЙ *айн.* **фожиавий**. *Гулсара ўзининг чуқур фожеий ариясида ҳалок бўлган онасини айтиб йиғлайди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ФОЖИА [*а.* فاجعه – бахтсиз ҳодиса, бахтсизлик; ҳалокат] **1** Ўта аянчли, мудҳиш аҳвол, ҳолат; фалокат. *Мен сизни кишиларнинг фожиасига бу қадар енгил қарайдиган киши, деб ўйламас эдим.* Уйғун, Асарлар. *Боланинг фожиаси мени тамоман карахт қилиб қўйган эди.* «Шарқ юлдузи».

2 *эск. айн.* **трагедия 1.**

ФОЖИАВИЙ Фожиа руҳи билан суғорилган; фожиали ҳолатга дахлдор. *Вазиятнинг фожиавий руҳи мусиқий кириш қисмидаёқ акс этиб туради.* Газетадан.

ФОЖИАЛИ Ўта аянчли, мусибатли, қайғули. *Муҳсинали дадасининг фожиали ўлимидан кейин ўзларига ҳамроҳ бўлиб турган кекса нўғай кампир билан қолди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Шунда мен кеча беихтиёр қилган номаъқул ишимнинг қанчалик фожиали эканини баратўла англадим.* А. Мухтор, Туғилиш.

ФОЖИОНА [*а.* + *ф.* فاجعانه – бахтсизларча, ҳалокатли] *рвш. кт.* Фожиали, аянчли равишда; мудҳишларча. *Фожиона ҳалок бўлмоқ. Фожиона ҳодиса.* ▬ *Уруш ўзининг фожиона изини қолдирмаган оила бизнинг мамлакатимизда камдан-кам учрайди, деса бўлади.* Газетадан.

ФОЖИР [*а.* فاجر – фоҳиш, уятсиз; бетавфиқ, гуноҳкор, бузуқ; ёлғончи] *эск. кт.* Ёмон йўлга юрувчи, зино қилувчи; ахлоқсиз. *«Айбсиз» деганинг жаноби олий — фосиқ, фожир, халқнинг молини уриб олиб егувчи бир золим, қонхўр бир жаллод.* С. Айний, Жаллодлар.

ФОЖИ(Ъ) [*а.* فاجع – оғриқ-азобли, мусибатли, қайғули; оғир] Мусибатли, фожиали, қайғули. *Бу воқеа мени ё ўта бахтиёрликка ёки фожиъ бир фалокатга олиб борар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОЗИЛ [*а.* فاضل – ҳурматли, иззат-ҳурматга сазовор; бенуқсон, баркамол] **1** Илм-фан асосларини яхши эгаллаб олган киши; олим. *-Агар у йигит сен айтгандек оқилу*

фозил бўлса, бир қизим эмас, ўн қизим бўлса, беришга тайёрман, — дебди чол. Т. Жалолов, Олтин қафас. *Гўзал Зарафшон водийси қадим замонлардан бери ўзининг шоир ва фозиллари билан машҳур.* Газетадан.

2 Фозил (эркаклар исми).

ФОЗИЛА [*а.* فاضله — фозил аёл] **1** Илм-фан асосларини яхши эгаллаган аёл; олима. *Оқила ва фозила аёлларнинг барчасида ажиб тароват, бахтидан шукроналик.. сезилиб туради.* Газетадан. *Бегим ой деса ойдек, кун деса кундек, оқилаю фозиладирлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Фозила (хотин-қизлар исми).

ФОИЗ [*а.* فائض — мўл-кўл, лабо-лаб, ортиқча, тўла; мўллик; процент] *эск.* **1** Бирор сон ёки миқдорнинг юздан бир ҳиссаси, улуши (% белгиси билан ифодаланади). *Корхонамиздаги хизматчиларнинг эллик фоизи — хотин-қизлар.* ■ *Биров бировни ёмонласа, камида ўша заҳоти саксон фоиз ишонамиз!* Ю. Шомансур, Қора марварид.

Юз фоиз Тўла-тўкис; бутунлай, бошдан-оёқ. *Гапингиз юз фоиз тўғри.* ■ *Эмин Усмоновнинг асари тўғрисидаги фикрларингизга юз фоиз қўшиламан.* «Шарқ юлдузи».

2 Қарзга олган пулдан фойдаланганлик учун пул эгасига тўлаб туриладиган ҳақ, фойда. *Яқинда бир миллион саккиз юз минг сўм пулини банкка қўйибди. Яна йилига олти фоиз фойдаси билан.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Даромадга қараб тўланадиган ёки олинадиган ҳисса.

ФОЙДА [*а.* فائده — афзаллик, имтиёз; ҳаён, наф, баҳра] **1** Бирор кимса ёки нарса учун бўладиган наф, манфаат; ижобий натижа. *Ёлғон айтиб, фойда кўрсанг, охири зарар топарсан.* Мақол. ■ *Сирингизни мендан яширманг, балким фойдам тегиб қолар.* К. Яшин, Ҳамза. *Навоий эл фойдаси ва давлат манфаати учун бўлган бу вазифага, ўз одати бўйича эътироз қилмади.* Ойбек, Навоий.

2 Қилинган харж билан олинган даромад ўртасидаги фарқдан ташкил топган сумма, маблағ; даромад. *Қамишкапаликлар Зокирхўжа қассоб тўғрисида гап борса, «ҳар бир сўйилган қўйдан икки ҳисса фойда кўрмаса, ўзини чангакка осади», деб таърифлар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Менимча, тижорат пайдо бўлган замондан бошлаб бундай мўл фойдани ҳеч ким кўрган эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

Фойда қилмоқ 1) ижобий натижа бермоқ, ўзининг фойдали таъсирини кўрсатмоқ. *Дори фойда қилди.* ■ *Халқ жуда кўп шишларни пахтадоғ билан даволайди. Агар бу шиш газак шиши бўлса, пахтадоғ фойда қилади, лекин рак шиши бўлса, авж олдиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) бирор иш, соҳадан иқтисодий манфаат топмоқ, даромад олмоқ. *Тадбиркор деҳқончиликдан катта фойда қилади.*

3 Қарзга берилган пулдан фойдаланганлиги учун қарздордан кредитор оладиган қўшимча пул, ҳақ; фоиз. *Қарзимни узганман, фақат фойдаси қолган.* С. Абдулла, Танланган асарлар.

ФОЙДАЛАНМОҚ Бирор нарса ёки имкониятдан баҳраманд бўлмоқ, уни ўз талаб ва эҳтиёжи учун ишлатмоқ. *Газдан фойдаланмоқ. Китобдан фойдаланмоқ. Луғатдан фойдаланмоқ.* ■ *Бунинг учун.. энг муҳими машиналардан, электрдан фойдаланиб, кучни, вақтни тежаш лозим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Вақт ҳар кимнинг ўз қўлида. Гап ундан тўғри фойдаланишда.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

Пайтдан (*ёки* **фурсатдан, дақиқадан) фойдаланмоқ** Фурсатни, имкониятни қўлдан бермай, бирор иш-ҳаракатни дарров амалга оширмоқ. *Миркомил пайтдан фойдаланиб, ўзини дарвозадан боққа отди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Фурсатдан фойдаланиб, Пўлат ота уни узиб-узиб олди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳар бир дақиқадан фойдаланиб, хотирангда ажойиб из қолдиришга ҳаракат қил.* Газетадан.

ФОЙДАЛИ 1 Моддий фойда, наф келтирадиган. *Фойдали қазилмалар. Фойдали меҳнат.* ■ *Зайтун дарахтининг турган-битгани киши организми учун фойдали.* Газетадан. *Соз тупроқлар инсонларнинг ер юзида биринчи бўлиб таниган фойдали қазилмасидир.* Газетадан.

2 *кўчма* Маънавий жиҳатдан бирор манфаати, нафи тегадиган. *Фойдали гап. Фойдали фикр.* ■ *-Йўқ, жуда қизиқ, жуда фойдали китоб, — ёлвориб тушунтиришга бошлади хотини.* Ойбек, Танланган асарлар.

ФОЙДАСИЗ 1 Бирор моддий фойда ёки даромад келтирмайдиган, бефойда. *Фойдасиз меҳнат. Фойдасиз ҳаракат.* ■ *Офтоб*

ойим бўғилиб, фойдасиз тортишиб ўтиришни тарк қилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фойдасиз сел бўлгандан, одамларга обиҳаёт улашадиган сокин ариқ бўлган яхши.* Газетадан.

2 *кўчма* Маънавий, руҳий манфаати йўқ, нафи тегмайдиган. *Фойдасиз гап.* ▬ *Зеро, ўзининг бу ўтинчини [илтимосини] қуш учган сўнг отилмоқчи бўлган сопқон қабилидан ҳисоблар ва фойдасиз бир илтимос деб чўчир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ФОЙДАТАЛАБ [фойда + талаб] Фақат фойда кўришни ўйлайдиган; фойда кетидан қувувчи. *Ўзингизга маълум, савдо аҳли зарарни ёқтирмайдиган, фойдаталаб халқ бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

ФОЙДАХЎР [*а.* + *ф.* فائده‌خور – фойда еювчи, кўрувчи] **1** Бирор нарсани фойдасига сотиш билан шуғулланувчи ва шунинг ҳисобига яшовчи киши. *Фойдахўрнинг моли шундай кўпайди, Бойлар олган юртнинг баланд-пастини.* «Фольклор».

2 *айн.* **судхўр.** *Фойдахўр Шейлок ижарага берган пулини қайтармаган кишидан, пулинг бўлмаса, бир қадоқ гўштингни кесиб бер, деб талаб қилган.* Газетадан.

ФОЙЕ [*фр.* foyer – ўчоқ] Театр, кино ва б. хил биноларда томоша бошланиши кутиладиган, танаффус, антракт вақтларида томошабинлар дам оладиган махсус жой, хона. *Театрларнинг фойеларида ёки истироҳат боғларида Марғилон атласини кийиб, сайр этиб юрган қизларни ким кўрмаган?* «Саодат». *Шоиста опа билан Рашид туғуруқхонанинг чорсигина фойесига киришди.* «Шарқ юлдузи».

ФОЙТУН [*қ.* **фаэтон**] *эск.* Тўрт ғилдиракли, очилиб-ёпиладиган соябонли енгил арава. *Бир куни фойтунда уйга қайтаётганимда, қаршимдан Муаззам чиқиб қолди.* Л. Эргашев, Вафодор. *Нойиб шошилиб чиқиб, фойтунга ўтирди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Фойтун Ферузанинг жияни Ҳусайн Муродбекники эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ФОЙТУНЧИ *с. т.* Фойтун эгаси; фойтун ҳайдовчи. *Аллонхўжа.. отбоқару фойтунчиларни, текинтомоқ, ялқовлар, деб сўкиб, жувозга қувди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ФОКСТРОТ [*ингл.* foxtrot < fox – тулки + trot – тез юриш, йўртиш: тулки қадами] Майда қадам билан оёқни судраб босиб ижро этиладиган тўрт қисмли рақс (танца) ва шу рақснинг мусиқаси. *Вика дафнинг зарбига.. фокстрот ўйнай бошлади.* Мирмуҳсин, Она.

ФОКУС I [*лот.* focus – ўчоқ, олов] **1** *физ.* Оптик система орқали ўтган параллел нурлар дастасининг ўзаро кесишган ёхуд тўпланган нуқтаси. *Линза фокуси. Ботиқ кўзгу фокуси.* ▬ *Ҳар бир планета эллипс бўйлаб ҳаракат қилади ва бу эллипснинг фокусларидан бирида қуёш туради.* «Астрономия».

2 Фотографияда: сурати олинаётган нарсанинг объективда энг аниқ ва равшан кўринадиган нуқтаси. *Фокус масофаси. Фокусни тўғриламоқ. Фокусда турмоқ.*

ФОКУС II [*нем.* Hokus pokus] *с. т.* Кўз илғамас даражадаги, кўзни алдайдиган чаққонлик, моҳирлик билан қилинадиган, ўзининг ғайритабиийлиги билан томошабинларни ҳайратга соладиган ҳийла: кўзбойлоқчилик, найрангбозлик. [*Мунира*:] *Биринчи курсликларнинг номини кўтариш учун битта фокус кўрсатасиз концертда.* Ф. Мусажонов, Лофчи.

ФОКУСЧИ **1** Фокус кўрсатувчи артист (*қ.* **фокус** II). *Фокусчи артист.* ▬ [*Мунира:*] *Бекитмай қўя қолинг. Сизнинг уста фокусчи эканлигингизни ҳамма билади.* Ф. Мусажонов, Лофчи.

2 *кўчма* Ҳар хил найрангбозликлар кўрсатувчи шахс; ҳийлагар. *Прокуратура узоқ қидирувдан сўнг бу фокусчини эндигина қўлга туширган эди.* Газетадан.

ФОЛ [*а.* فأل – яхши аломат, хайрли белги, нишона] **1** Бирор нарсага (мас., қўл, китоб, майда тош, карта, ойнага) қараб, киши билишга қизиққан нарса ёки ҳодисани олдиндан «айтиб бериш», башорат қилиш. *Бир тангани кўриб, димоғи чоғ бўлиб, олдидаги фол ёғочини қўлига олиб, суф-куф, деб дам солиб, китобнинг устига ташлабди.* «Эртаклар». *Бахтингиз бор эканки, мендай қўли енгил, дами ўткир ромчига йўлиқдингиз: мана, фол айтиб турибди, сизни юк босибди..* К. Яшин, Ҳамза.

Фол очмоқ (*ёки* **боқмоқ, кўрмоқ**) 1) киши билишга қизиққан номаълум воқеа, ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб беришга уринмоқ ёки олдиндан «билмоқ», айтиб бермоқ. *Узоқ варақлаб ўлтирди-да, сўнгра отасининг китобга қараб фол очиши эсига тушди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Одамлар Аҳмад махдумни*

«мунажжим», яъни юлдузлар юзидан фол кўрадиган деб билардилар. С. Айний, Эсдаликлар; 2) бирор нарса ҳақида тахмин; фараз қилмоқ. *Турли-туман миш-миш гаплар. Одамлар аниқ бир тасаввурга эга бўлмагани учун ҳар ким ўз ҳолича фол очарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Фол очтирмоқ** (*ёки* **боқтирмоқ, кўрсатмоқ**) Ўзи қизиққан номаълум воқеа, ҳодисани (бирор кимса ёки нарса тақдирини) билиш учун фолбинга мурожаат қилмоқ. *Мен кетай. Дадамга фол очтиргани кетяпман..* С. Зуннунова, Гулхан.

2 *кўчма* Бирор нарса ҳақидаги тахмин; чама, фараз. *Ҳақиқатан, бирон ой ўтмасдан, Ўринбой отанинг фоли тамоман тасдиқланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *кўчма* Бирор иш ёки хатти-ҳаракатнинг қандай тугалланганини кўрсатувчи белги, нишона. [*Қулмуҳаммад:*] *Бугун тонг билан Жалолиддинни ҳибсга олибдилар.* [*Гули*:] *Ё раббий! Бу ёмон фол.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Айниқса мулла Абдураҳмон ҳануз Раънонинг эрга берилмаганлиги хабарини эшитгач, бу тасодифни истиқболнинг хайрли фоллари сирасига киритди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОЛБИН [*а.* + *ф.* فالبين – фол кўрувчи, фол очувчи] Фол очувчи шахс. *Фолбиннинг сўзига аҳмоқ ишонар.* Мақол. ▬ *Фолбин бу тугунчакни Гулнорнинг остонасига кўмиш кераклигини уқтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Францияда олтмиш мингта фолбин бўлиб, уларнинг даромади йилига уч миллиард франкни ташкил қилади.* Газетадан.

ФОЛБИНЛИК Фолбин фаолияти, касби. **Фолбинлик қилмоқ** 1) фол очиш билан шуғулланмоқ; 2) бирор нарса, ҳодиса тўғрисида тахминий мулоҳаза юритмоқ, тахмин, фараз қилмоқ. *Даштдаги қизлар Адолатнинг авзойини кўриб, кечаси билан фолбинлик қилиб чиқдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Фолбинлик қила бериш ҳам яхши эмас! Ҳафиза ақлли қиз, мана, эртага бориб кўрасан.* Мирмуҳсин, Умид.

ФОЛЧИ *айн.* **фолбин.** *Ўшанда фолчи кампир қандайдир дуоларни ўқиб, бир ойнага қараб, нималарнидир гапирган эди.* Газетадан.

ФОЛЬГА [*пол.* folga < *лот.* folium – варақ, япроқ] Рангли металлар ва қотишмалардан тайёрланадиган, техникада, ёзув ёки нақшни босиб (сиқиб) акс эттиришда, озиқ-овқат маҳсулотларини ўрашда ишлатиладиган юпқа варақлар.

ФОЛЬКЛОР [*ингл.* folklore < folk – халқ + lore – билим; фан] Халқ ижодиёти; халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (эртак, достон, қўшиқ, лапар, масал, мақол, матал, топишмоқ ва б.). *Халқнинг кўп асрли тарихи мобайнида яратилган ҳикматли сўзлар – миллий фольклорнинг энг яхши намуналаридир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ФОЛЬКЛОРИСТ [«фольклор» с. дан] Фольклоршунослик соҳаси мутахассиси; халқ оғзаки ижодини ўрганувчи шахс. *Н. Ғаниев моҳир адиб ва фольклорист ҳам эди.* Газетадан.

ФОЛЬКЛОРИСТИКА [«фольклор» с. дан] Фольклор ҳақидаги фан; фольклоршунослик. *Ўзбек фольклористикаси ўзининг илк тонгидаёқ жиддий ютуқларни қўлга киритди.* «ЎТА».

ФОЛЬКЛОРЧИ *с. т.* Фольклоршунос. *Фольклорчи олима Музайяна Алавия ўзбек халқ қўшиқлари устида қарийб 15 йилдан буён тинимсиз илмий иш олиб боради.* Газетадан.

ФОЛЬКЛОРШУНОС [фольклор + *ф.* شناس – ўрганувчи] Фольклоршунослик мутахассиси. *Ўзбек фольклористикасининг кекса намояндалари сафига кўплаб ёш фольклоршунос олимлар келиб қўшилди.* Газетадан.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК Халқ ижодиётини ўрганиш, фольклор асарларини тўплаш ва нашр этиш билан шуғулланувчи фан. *Ўзбек фольклоршунослиги. Фольклоршунослик равнақи.* ▬ *Ўзбек фольклоршунослиги – ривож топган илмий соҳалардан биридир.* «ЎТА».

ФОН I [*фр.* fond < *лот.* fundus – асос, таг, замин] **1** Сурат чизиладиган (солинадиган), бирор нарса тасвирланадиган, сурат бўёқларидан ажралиб турадиган асосий ранг. *Оқ фонга чизилган қизил гуллар. Осмон фонида олинган сурат.*

2 Кўзга ташланиб турган кимса ёки нарса орқасидаги кўриниш; асосий расм, сурат ортидаги манзара. *Бу уй ҳайвонининг расми яшил ўтлар фонида қизил бўёқ билан ишланган.* Газетадан. *Юсуф ўзининг ибратомуз киноларида кишиларнинг идеал образларини уйдирма бўлмаган, жонли кишилар фонида тасвирлайди.* «ЎТА».

3 *кўчма* Умумий шароит, вазият, муҳит. *Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тарихий шахс сифатида.. ўзбек маданиятининг ривожланиш тарихи фонида кўрсатилади.* Газетадан. *..миллий онг ва миллий тафаккур она тили бойликлари фонида, бевосита ёрдамида шаклланади.* Газетадан.

ФОН II [*юн.* phone — товуш, овоз] Товушнинг баландлик даражаси бирлиги, ўлчови.

ФОНАРЬ [*юн.* fanari(o)n — ёруғлик, нур тарқатувчи < fanos — чироқ, машъала] **1** Ёритувчи қисми шар, қутича, найча ва б. шакллардаги шиша ёки шаффоф материал билан ўралган чироқ. *Чўнтак фонари. Қўл фонарь.* ▬ *Мунира югуриб, вагонга чиқди-да, қўл фонарини олиб тушди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Козим ака.. столнинг тортмасини очиб, у ердан электр фонарь олиб, менга кўрсатди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Фонус. *Фонарь яна тутай бошлади, керосин тугай деб қолган эди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар. *Ғуломжоннинг кулгиси шу қадар беғубор эдики, ҳужрада қирқинчи фонарь ёқилгандай бўлиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Фонарь ёғи *эск. айн.* **керосин**.

ФОНД [*фр.* fond < *лот.* fundus — туб, асос] **1** Давлат, муассаса ва ш.к. нинг муайян мақсад учун ажратилган пули, маблағи, моддий бойликлари мажмуи; жамғарма. *Валюта фонди. Иш ҳақи фонди. Бўлинмас фонд.* ▬ *Фондимизда бир юз минг сўм пул бор.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бўлинмас фондимизда нақд бир ярим миллион сўм пул бор.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Қатъий, барқарор даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозлар. *Фонд биржаси. Фонд бозори.*

3 □амлаб, эҳтиётлаб қўйилган захира, бойлик. *Жамоа хўжалигининг уруғлик фонди. Музей фонди. Уй-жой фонди. Китоб фонди. Тилнинг луғат фонди.* ▬ *Музейимиз фондида Ўроқовнинг шахсий буюмлари, суратлари сақланмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Бирон-бир ижтимоий қатлам, аҳоли гуруҳига (болалалар, ногиронлар, бадиий-ижодий уюшмаларнинг аъзоларига) моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган муассаса, ташкилот. *Архитекторлар фонди. Бадиий фонд.*

Олтин фонд 1) олтин захираси; 2) *кўчма* жамият ёки унинг бирор қисмининг энг яхши интеллектуал кучлари. *Ватан, инсон — бу каби мангу, боқий мавзуларда битилган асарлар жаҳон шеъриятининг олтин фондини ташкил этади.* «ЎТА». *Агроном — давлатимизнинг олтин фондини ташкил қилувчи кадрларимиздандир.* Газетадан.

ФОНЕМА [*юн.* phonema — овоз, товуш] *тлш.* Бирор тилда сўз ёки морфемаларнинг маъно фарқини белгиловчи, уларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилувчи товуш бирлиги. *Унли фонемалар. Ундош фонемалар.* ▬ *Ниҳоят, олтита унли фонема тилимиз учун мезон сифатида қабул қилинди.* «ЎТА».

ФОНЕМАТИК *тлш.* Фонемага оид. *Тилнинг фонематик таркиби.*

ФОНЕНДОСКОП [*юн.* phone — товуш + endon — ички, ичида + skopeo — кўраман] Одам ва ҳайвон организмида юзага келадиган юрак уриши, нафас шовқинлари ва б. табиий товушларни эшитишга хизмат қиладиган, қулоққа тутиладиган икки найча ҳамда овоз кучайтирувчи мембранали мосламадан иборат тиббий асбоб.

ФОНЕТИК 1 Фонетикага оид. *Фонетик қонунлар. Тилнинг фонетик тизими. Фонетик транскрипция.* ▬ *Уйчи шеваси ўзининг характерли фонетик хусусиятлари билан кўпгина ўзбек шеваларидан ажралиб туради.* «ЎТА».

ФОНЕТИКА [*юн.* phonetike, phonetikos – товушга оид] *тлш.* **1** Тилшуносликнинг нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усуллари, акустик хусусиятлари ва таркибини ўрганадиган бўлими. *Умумий фонетика. Тарихий фонетика. Қиёсий фонетика.* ▬ *Поэтик фонетикада текширилаётган бадиий усуллардан бири — аллитерация.* «ЎТА».

2 Муайян тилнинг товуш таркиби, товушларнинг акустик ва артикуляцион хусусиятлари. *Ўзбек тили фонетикаси.*

ФОНЕТИСТ Фонетика соҳаси билан шуғулланувчи тилшунос.

ФОНИЙ [*а.* فانى — кўҳна, эски, кекса; ўткинчи, муваққат, омонат] *эск. кт.* Тез ўтиб кетадиган; тезда барҳам топувчи; ўткинчи, омонат. *Шундай қилиб, мадраса қураётган яхши одамлардан бири фоний дунёдан боқий дунёга кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Неча шоҳлар ўтди фоний дунёда: Баъзиси отли-ю баъзиси — пиёда.* «Зулфизар билан Авазхон».

ФОНО- [*юн.* phone – овоз, товуш] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шундай сўзларнинг товушга, овозга алоқадорлигини билдиради, мас., *фонограмма, фонетика.*

ФОНОГРАММА [фоно.. + *юн.* gramma – ёзув, ёзма белги] *махс.* Махсус техник восита ёрдамида грампластинка, магнит тасма, кино- ёки видеоплёнка, лазер диск ва ш.к. га ёзилган товуш садолари (нутқ, ашула, куй). *График фонограмма.* ▬ *Газетада фонограмма билан қўшиқ айтиш каби қусур қайта-қайта тилга олинади.* Газетадан.

ФОНОГРАФ [фоно.. + *юн.* grapho – ёзаман] *махс.* Товуш, овозлар (мусиқа, ашула, нутқ ва ш. к.)ни ёзиб олиш ва қайта эшиттириш учун хизмат қилувчи аппарат.

ФОНОГРАФИК 1 Фонографга, товуш ёзиб олиш ва қайта эшиттиришга оид. *Фонографик плёнка. Фонографик материаллар.*

2 Алоҳида товушни ифодаловчи. *Фонографик ёзув.*

ФОНОЛОГИК Фонологияга оид. *Фонологик тизим. Фонологик текшириш.*

ФОНОЛОГИЯ [фоно.. + *юн.* logos – билим, тушунча] *тлш.* Тилшуносликнинг нутқ товушларини, яъни фонемаларни сўз ва морфемаларнинг товуш қобиғини фарқловчи восита сифатида ўрганувчи соҳаси. *Тарихий фонология маълум бир тил фонологик тизимининг тарихий тараққиётини.. ўрганади.* «ЎзМЭ».

ФОНОМЕТР [фоно.. + *юн.* metreo – ўлчайман] Товуш ёки шовқиннинг тебраниш кучини, унинг баландлик даражасини ўлчайдиган асбоб.

ФОНОТЕКА [фоно.. + *юн.* theke – омбор; қути] **1** Муайян тартибда сақланадиган овоз ёзувлари, фонограммалар тўплами.

2 Овоз ёзувларини тўпловчи, қайта ишловчи, сақловчи муассаса.

ФОНТАН [*итал.* fontana < *лот.* fons, fontis – манба, булоқ] **1** *айн.* **фаввора 1**. *Театр майдони узра кўк бўйи Шалола отарди ранго-ранг фонтан.* Т. Тўла. *Қайнаб чиқар зўр булоқлари, Фонтан бўлиб отилар тикка.* Ё. Мирзо. *«Шимолий Сўх» деб аталган ёш конда яна бир табиий газ фонтани ҳосил қилинди.* Газетадан.

2 *айн.* **фаввора 2**. *Алижон зинапоядан пастга тушиб, фонтан четига ўтирди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Нарироқда фонтандан шариллаб отилган сув Ориф акани ҳушига келтирди.* А. Мухтор, Чинор. *Фонтан атрофи одамлар билан гавжум.* С. Аҳмад, Пойқадам.

ФОНУС [*а.* فانوس – шишали чироқ < phanos – ёруғлик, нур] Қўлда кўтариб юриладиган ёки бирор жойга ўрнатиладиган, шамол ва ёғиндан муҳофаза қилинган, ичига чироқ ёки шам қўйиладиган ёритиш асбоби, чироқ. *Ҳар маҳаллага биттадан шаҳар думахонаси ўтқазган хира фонусларнинг ичида еттинчи пиликли керосин лампа ёнар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ҳовли ўртасидаги улкан машъала ёқилди. Дарахтларга кичкина фонуслар осилди.* С. Сиёев, Аваз.

ФОРИНТ [*венг.* forint] Венгрия давлатининг асосий пул бирлиги.

ФОРИҒ [*а.* فارغ – холи, бўш; эгалланмаган; бефойда]: **фориғ бўлмоқ** *эск. кт.* Бирор иш-ҳаракатдан холи бўлмоқ, бўшамоқ, қутулмоқ. *Ота-онасининг наздида, Ҳафиза юрагидаги дардлардан фориғ бўлгандай кўринди.* Мирмуҳсин, Умид. *Сен шу ерда тургин, мен намоздан фориғ бўлайин, сўнгра гаплашамиз.* «Ойсулув». **Фориғ қилмоқ** Бирор нарсадан, иш-юмушдан холи қилмоқ, қутултирмоқ. *Қатра май гадолардин, соқиё, дариғ этма, Ақлдин қилиб фориғ, мастлиғда султон қил.* Увайсий.

ФОРИҒБОЛ, фориғулбол [*а.* فارغالبال – уй-хаёллардан холи, тинч, хотиржам] *эск. кт.* Ташвишдан холи, озод; хотиржам, осойишта; ҳузур-ҳаловатли. *Фориғбол яшамоқ.* ▬ *Ёзилурми энди, фориғбол, Тарқалгандай кузги туманлар?* М. Али, Боқий дунё.

ФОРМА [*лот.* forma – шакл; ташқи кўриниш] **1** *қ.* **шакл 1-5**.

2 Маълум тоифадаги кишилар учун мўлжалланган, ранги, тикилиши ва б. белгилари жиҳатидан бир хил кийим. *Ҳарбий форма. Мактаб формаси. Милиция формаси.* ▬ *Пўлатжон учувчи формасида тушган суратини ҳам юборибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ФОРМАЛ 1 *қ.* **шаклий**. *Аниқ нисбат ҳеч қандай формал кўрсаткичларга эга эмас.* «ЎТА».

2 *қ.* **шаклан; юзаки**. *..бу соҳада улар кўп вақт формал яқинликларни, тўғриси, қофия, вазн уйғунлигини асос қилиб келтирадилар.* «ЎТА».

ФОРМАЛИЗМ [*ингл.* formalism < *лот.* forma – шакл; ташқи кўриниш] **1** Инсоннинг турли фаолият соҳаларида шакл (форма)ни мазмундан устун қўйиш, шаклни афзал билиб, мазмун ва моҳиятга зарар етказиш. *Ёшлар билан ишлашда кўпинча формализм, расмиятчиликка йўл қўйилмоқда.* Газетадан.

2 Санъат ва адабиётда: «соф» шаклни энг муҳим ягона бадиий унсур, деб тан олишдан, шаклнинг алоҳидалиги ва устунлигини таъкидлашдан иборат, реализмга зид бўлган метод.

ФОРМАЛИН [*ингл.* formalin < *лот.* aciditas formica – чумоли кислота] Дезинфекция қилиш ёки тозалаш учун ишлатиладиган ўткир ҳидли модда (чумоли кислотанинг сувли эритмаси). *Формалин эритмаси. Чигитни формалин билан дориламоқ.* ▬ *Ўз навбатида унга ўткир ҳидли дори – формалин, ультратовуш ёки ультрабинафша нурлар таъсир эттирилади.* «Фан ва турмуш».

ФОРМАЛИНЛАМОҚ Формалин билан дезинфекция қилмоқ, тозаламоқ, дориламоқ. *Экиш олдидан чигитни формалинламоқ.*

ФОРМАЛИСТ 1 Бирор ишда расмиятчиликка йўл қўювчи шахс; расмиятчи, расмиятпараст. *Сен унча формалист бўлма.*

2 Формализм тарафдори (*қ.* **формализм 2**).

ФОРМАЛИСТИК 1 Расмиятчиликдан иборат. *Ишга формалистик муносабатда бўлиш.*

2 Формализм тамойилларига асосланган, бўйсунган (*қ* **формализм 2**). *Формалистик асар.*

ФОРМАТ [*фр.* format < *лот.* forma – шакл; ташқи кўриниш] Китоб, дафтар, варақ, карточка ва ш.к. нинг энига ва бўйига кўра катта-кичиклиги, ўлчови. *Қоғоз формати. Катта форматга эга бўлган китоб.*

ФОРМАТЛИ Муайян шакл, ўлчамга эга бўлган. *Кичик форматли китоб. Катта форматли варақ.*

ФОРМАЦИЯ [*лот.* formatio – ташкил бўлиш; шакл, кўриниш] **1** Бирор нарсанинг муайян тараққиёт босқичи, поғонасига мос келувчи типи, тузилиши.

Ижтимоий-иқтисодий формация Кишилик жамияти тараққиётидаги муайян ишлаб чиқариш усули ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар, ҳуқуқий меъёрлар ва мафкура билан характерланадиган тарихан шаклланган босқич, давр (қулдорлик, феодализм, капитализм). *Туркистон халқлари феодализм формациясидан капиталистик формацияга аста-секин ўта бошладилар.* Газетадан. *Замонлар ўтди, ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашди, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарди.* Газетадан.

2 *геол.* Ҳосил бўлиш шароитларининг умумийлиги билан ўзаро боғлиқ бўлган, Ер пўсти асосий структуравий ривожланишининг муайян босқичларида вужудга келган тоғ жинслари йиғиндиси, геологик чўкиндилар.

ФОРМОВКА [*лот.* forma – шакл; ташқи кўриниш] *тех.* Бирор нарсага ишлов бериш, уни тайёрлаш баробарида унга қандайдир шакллар бериш; керакли шакллар ясаш (қуйиш) учун тайёрланган қолип. *Формовка цехи. Формовка машинаси.* ▬ *Уни [Меҳринисони] формовка машинасида ишлаётган қиз олдига бошлаб келди.* «Саодат».

ФОРМУЛА [*лот.* formula – шакл, қоида] **1** Бирор қоида, воқеа-ҳодиса, қонун ва ш.к. нинг барча хусусий ҳолатлар учун татбиқ этиладиган аниқ, қисқа ва умумий таърифи, ифодаси. *Абдужалил бой ўзининг бу кашфиётини қуйидаги «формула»дан келтириб чиқаради..* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *мат.* Бирон-бир гап, фикр, тасдиқни ифодаловчи математик белгиларнинг ўзаро уйғун бирикмаси, комбинацияси. *Алгебраик формула. Қўшиш формулалари.* ▬ *Йўлдош қўлида тайёр тутиб турган ён дафтарчасини Элмуроднинг олдига қўйиб, ундаги формулани бир четдан уқтира бошлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У бир варақ қоғозга тажрибанинг формуласини шоша-пиша ёзиб кўрсатди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *ким.* Бирор бирикманинг элементлар номи ўрнида қўлланувчи лотинча ҳарфлар ҳамда элементларнинг айни бирикма таркибидаги миқдорий нисбатини кўрсатувчи рақамлар билан ёзилган қисқача ифодаси; мас., $NaCl$ – ош тузининг формуласи.

ФОРМУЛИРОВКА [«формула» с. дан] Бирор фикр ёки қарорнинг қисқа ва аниқ ифодаси. *Теореманинг формулировкаси.* ▬ *У ҳозирги Шарқ тарихидан жуда зерикарли лекция ўқирди. Гапи сийқа ибораларга, қуруқ формулировкаларга.. тўла.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ФОРМУЛЯР [*нем.* Formular < *лот.* formula – шакл, қоида] **1** Бирор иншоот, механизм ва ш.к. нинг ҳолати ва уни ишлатиш бўйича маълумотлар батартиб ёзиб бориладиган махсус дафтар ёки варақа.

2 Кутубхоналарда ҳар бир китоб ичига солиб қўйиладиган ва шу китоб ҳақидаги асосий маълумотлар ёзилган ҳисоб варақаси.

ФОРПОСТ [*нем.* Vorposten < *голл.* voorpost – олдиндаги пост] **1** *ҳарб.* Ҳарбий қисмни ҳимоя қилиб туриш учун қўйилган илғор (етакчи) соқчилар гуруҳи.

2 *кўчма кт.* Бирор нарсанинг олдинги, илғор қисми, таянчи; авангард. *Уч йил олдин ташкил қилинган хўжалик.. чўлга бошланган янги ҳужумнинг форпости бўлиб қолди.* Газетадан.

ФОРС [*ф.* فارس – эронлик; Эрон жанубидаги вилоят номи] *қ.* **форслар**. *Форс тили. Форс қизи.* ▬ У *араб, форс тилларини яхши эгаллаган.* Ойбек, Навоий. *Ҳамза отасидан таълим олиб, ўн беш ёшида форс, араб тилларидаги китобларни ўқийдиган бўлди.* К. Яшин, Ҳамза.

ФОРСИГЎЙ [*ф.* فارسی‌گوی – форсча сўзловчи] Форс тилида ижод қиладиган, ёзадиган, гапирадиган. *Форсигўй шоир.* ▬ *Соҳиб Доро замонанинг кўзга кўринган форсигўй шоирларидан бўлиб, ёш қаламкашларни ўз маслаҳатлари билан баҳраманд қилиб турарди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ФОРСИЙ [*ф.* فارسی – форсларга, форс тилига оид, алоқадор] **1** Форс тили. *У зот забони арабийни – фасиҳ, туркистонийни – саҳиҳ, форсийни малиҳ [гўзал].. биладурғон донишманд.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 Форс тилида айтилган ёки ёзилган; форсча. *Ҳақиқатан ҳам Навоий форсий девони билан Жомийдан сўнг форс-тожик адабиётини янги бир босқичга кўтарди.* «ЎзТА».

ФОРСИХОН [*ф.* فارسی‌خوان – форсча ўқувчи] Форс тилида битилган асарларни ўқий оладиган, уни тушунадиган ва талқин қила оладиган шахс. *Анвар ўн беш ёшида.. яхшигина форсихон ва бир даража араб тилига ошна эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОРСЛАР Эроннинг асосий, туб аҳолиси ва уни ташкил қилувчи халқ; эронийлар.

ФОРСУНКА [*ингл.* force-pump – босим берувчи, ҳайдовчи насос] *тех.* Суюқ ёнилғини ёки кукун ҳолидаги ёқилғини босим билан зарралар тарзида пуркаш, сочиш учун мўлжалланган мослама, насос.

ФОРСЧА *айн.* **форсий**. *Форсча-русча луғат. Форсча сўзлашмоқ.* ▬ *Ашотда русча, форсча ва арманча шеърлар бор экан-у, улар Баширжонга ўтиришмади.* Н. Аминов, Суварак.

ФОРТЕПЬЯНО [*нем.* Fortepiano< *итал.* forte – қаттиқ + piano – аста, кучсиз] Клавишлари бармоқ билан босиб чалинадиган торли мусиқа асбоби (рояль ва пианинонинг умумий номи). *Фортепьяно чалмоқ.* ▬ *Сози бузуқ фортепьянонинг баланд овози янгради.* «Ёшлик».

ФОРТОЧКА [*нем.* Pforte < *лот.* porta – дарвоза] Уйни шамоллатиш мақсадида деразага ўрнатиладиган кичкина дарча. *Саодатхон форточкани очиб юборди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ФОРУМ [*лот.* forum] **1** *тар.* Қадимги Римда халқ йиғинлари, ярмаркалар, суд мажлиси ва б. тадбирлар ўтказиладиган майдон.

2 Кенг ваколатли йиғилиш, анжуман. *Бутун дунё ёшлар форуми. Журналистлар форуми.* ▬ *Икки қитъа ёзувчилари форуми дўстлик ва бирдамлик байрамига айланиб кетди.* Газетадан.

ФОСГЕН [*юн.* phos – ёруғлик + genos – насл, авлод; келиб чиқиш] *ким.* Нафас олиш аъзоларига зарар етказувчи, чириган пичан иси келадиган рангсиз, заҳарли газ. *Фосген жуда заҳарли модда, нафас йўлларига кучли таъсир қилади.* «ЎзМЭ».

ФОСИД [*а.* فاسد – бузилган; айниган; йўлдан адашган; бузуқ, ахлоқсиз, ярамас] **1** *эск. кт.* Ёмонлик қиладиган; жирканч; бузуқ, ярамас. *Фосид хаёл. Фосид мақсад.* ▬ *Тўғри айтасан. Лекин бу фосид рақс, ашула, мусиқийларни мажусийлар, оташпарастлар.. ижод этганлар.* К. Яшин, Ҳамза. *Бериб фатво, «уришинглар», демай қози калон ўлсин, Ҳаммани йўлдин оздирган ўшал фосид хаёл ўлсин.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *дин.* Ислом анъанасида диний мажбуриятларни адо этмаган гуноҳкор. *..Аллоҳ фосидлардан рози бўлмайди, эҳсонларини қабул этмайди ва ўзларини ҳидоятга эриштирмайди..* «ЎзМЭ».

ФОСИҚ [*а.* فاسق – бузуқ, фоҳиш, ахлоқсиз; муртад, кофир] *эск. кт.* Бузуқ, гуноҳ,

ҳаром ишлар билан шуғулланувчи, ёмон йўлга юрувчи; ахлоқсиз. *Фосиқдан ҳаё тилама, золимдан – вафо.* Мақол. ▬ *Ва уларнинг юракларида Ғараз, фосиқ ҳаваслар тунар.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Нусратилло фосиқ эканлиги устига порани қилдек суғуриб, иликдек ютмоғи махфий эмас.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

ФОСФАТЛАМОҚ Металл ва металл буюмларни атмосферавий емирилишдан сақлаш мақсадида улар сиртида эримайдиган фосфатлар пардаси (плёнкаси)ни ҳосил қилиш.

ФОСФАТЛАР [*ингл.* phosphate < *юн.* phosphoros – нурафшон, нур сочадиган] *ким.* Фосфат кислота тузлари ва эфирлари (асосан ўғит сифатида, шунингдек, тиббиёт ва техникада ишлатилади). *Кальций фосфати.*

ФОСФАТЛИ Таркибида фосфати бўлган. *Ўзбекистонда фосфатли ўғитлар – аммофос ва аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарадиган жуда катта корхоналар барпо этилган.* Газетадан.

ФОСФОР [*юн.* phosphoros – нурафшон, нур сочадиган < phos – ёруғлик + phoros – олиб борувчи] **1** Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оқ, қизил ва қора рангда бўладиган, суюқланиш температураси ва б. баъзи хоссаларига кўра ўзаро фарқланувчи, кимёвий фаол металлмас модда (ўғит, гугурт ишлаб чиқаришда, металлургияда, органик синтезда қўлланади). *Она сутида оқсиллар, ёғлар.. кальций ва фосфор каби тўйимли моддалар етарли бўлади.* «Саодат». *Тупроқда фосфор тақчил бўлса, картошканинг гуллаши ва ҳосил пишиши секинлашади.* «Фан ва турмуш».

2 *с.т.* Фосфатли ўғит тури. *Фосфор янаги ҳафта келади. Иккинчи чопиқни тамомладингми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ФОСФОРИТЛАР [*ингл.* phosphorite < *юн.* phosphoros] Таркибида фосфат кўп бўлган чўкинди тоғ жинслари; асосан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. *Геологларнинг айтишича, фосфоритларнинг тахминий захиралари чексиздир.* Газетадан. *Бизда фосфорит конларининг энг йирик манбалари мавжуд.* Газетадан.

ФОСФОРЛИ Таркибида фосфор мавжуд бўлган; фосфор аралаш(тирил)ган. *Фосфорли туз. Фосфорли руда. Фосфорли ўғитлар.* ▬ *Фосфорли ва калийли ўғитларнинг асосий қисми ерга кузда гўнг билан бирга солинади.* «Фан ва турмуш».

ФОТИҲ [*а.* فاتح – очувчи, бошловчи; босқинчи, забт этувчи] **1** Бирор шаҳар, давлат, мамлакатни урушиб қўлга киритган, забт этган; ғолиб; жаҳонгир. *..ўжар Сирдарё қарийб бутун жаҳонни забт этган, тарихларда «жаҳон фотиҳи» деб ном олган Искандарга ҳам бўйсунмади.* Газетадан. *Йўлларда ётарди кўп бегуноҳлар, Фотиҳлар излари, бесон қабрлар.* М. Шайхзода.

2 Фотиҳ (эркаклар исми).

ФОТИҲА [*а.* فاتحه – очиш, очилиш, бошланиш, ибтидо, муқаддима; Қуръоннинг биринчи сураси] **1** *дин.* Қуръоннинг биринчи, бошланғич сураси, бошланиши.

2 Кимсага эзгулик тилаб айтиладиган дуо, олқиш. *Чоллар Қудратга тани-жони соғлик, ишига барака тилаб, фотиҳага қўл кўтардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Раҳим домла фотиҳага қўл очиб, ёшларни дуо қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Фотиҳа ўқимоқ 1) қуръоннинг қисқа сураларидан бирини ўқиб, марҳумнинг руҳига худодан меҳру шафқат, эзгулик тиламоқ. *Мирзакаримбой қўллари билан соқолини енгилгина сийпаб, марҳумга фотиҳа ўқиган бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кампир тепасини бурган босган қабр олдида тўхтаб, ҳассасига суяниб, ерга ўтирди-да, нималарнидир пичирлаб, фотиҳа ўқиди.* И. Раҳим, Ихлос; 2) қўл очиб ва уни юзларига тортган ҳолда, ўзи ёки бошқалар учун яхшиликлар, эзгулик, тинчлик, саломатлик тиламоқ, дуо килмоқ. *Ошдан сўнг уста Олим шундай фотиҳа ўқиди: -Душманларингизнинг йўқ бўлганлари чин бўлсин, севганингиз билан энди масъуд яшанг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Фотиҳа қилмоқ** *с. т.* Фотиҳа ўқимоқ. *Қаландар пойгакка чордана қурди. Ичида ниманидир пичирлади, фотиҳа қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Юзига фотиҳа тортмоқ** Фотиҳа ўқиб бўлингач, икки қўлнинг кафти билан юзни юқоридан пастга томон енгилгина силамоқ. *Насиба креслога ўтириб, юзига фотиҳа тортди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ботир ҳам бобосига қўшилиб, юзига фотиҳа тортди.* А. Дилмуродов, Осмоннинг бир парчаси.

3 Бирор иш-ҳаракатни бажаришга киришаётган кишига омад, бахт тилаган ҳолда бериладиган рухсат, ижозат. *Фотиҳа бер-*

моқ. Фотиҳа олмоқ. ▬ *Мен рози, куёв қиламиз, фотиҳа беринг.* У. Исмоилов, Сайланма. *Ориф сардор халқдан фотиҳа олиб, отини югуртириб, тўдага кетди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Оқ фотиҳа Бирор ишни бажаришга киришиш учун рози бўлиб, мамнунлик билан бериладиган рухсат, ижозат. *Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман, Ширвон элда Зулхуморга бораман.* «Равшан». [*Тангриқул ҳожи:*] *Менга оқ фотиҳа беринг, сафар отини эгарлаб, йўлга чиқай* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Фотиҳа сўрамоқ** Бошқалардан олдинроқ туриб кетиш учун йиғилиш аҳлидан ёки ёши каттароқ кишидан рухсат сўрамоқ. *Абдураҳмон сардор.. қайтмоқчи бўлиб, халифадан фотиҳа сўради.* С. Айний, Қуллар.

4 *этн.* Қиз билан йигит турмуш қуришга рози бўлгандан кейин, буни қариндош-уруғ, маҳалла аҳлига маълум қилиш мақсадида никоҳдан олдин ўтказиладиган маросим; унаштириш. *Фотиҳа — гўё ярим никоҳ, у икки томоннинг келажак ҳаётига тақдир муҳрини босади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мусулмон бўлсаларинг, қизимга тегманглар! Бировнинг омонати! Бировга фотиҳа бўлган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Фотиҳа тўйи Қиз билан йигитнинг унаштирилганлиги муносабати билан ўтказиладиган кичик тўй; унаштириш тўйи. *Келинг.. катта тўйдан илгари фотиҳа тўйини ўтказиб олайлик.* Ҳамза, Ким ўғри? *Ичкарида бир оқсоч кампир, ташқарида бир карқулоқ отбоқар қолган, бошқа ҳеч ким йўқ, ҳамма фотиҳа тўйига кетган.* К. Яшин, Ҳамза.

5 *этн.* Ўлик чиққан хонадонда ўлимнинг дастлабки уч куни ҳамда ҳайит кунлари марҳумнинг хотираси учун ўтказиладиган маросим; таъзия. *Фотиҳага кириб чиқмоқ.* ▬ *Ўлигим кафансиз қолмаса, дуойи фотиҳага келганларнинг олдига битта-иккита қаттиқ-қуттиқ нон қўйсангиз бўлгани.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шу пайт уч киши фотиҳага кирди.* С. Сиёев, Аваз.

6 *кўчма* Табриклаш, муборакбод қилиш, яхши тилаклар билдириш. *[Махдум:] Сен қизларингни озод қўй, Нигор, дастурхон тайёрлаб, чой қайнат! Фотиҳага одамлар келса керак.* А. Кодирий, Меҳробдан чаён.

ФОТИҲАЛИ Ўлик чиққан, фотиҳа ўқилиши лозим бўлган; таъзияли. *-Ҳайит кунлари қишлоққа бир бориб келсанг бўлармиди, — деди ниҳоят Мавжуда хола, — фотиҳали хонадонлар кўпайиб қолган.* Т. Маҳмуд, Оқар дарё оқмасмиди жимгина.

ФОТИҲАХОН [*а.* + *ф.* فاتحه‌خوان — фотиҳа ўқувчи] Ўлимнинг дастлабки уч куни ва ҳайит кунлари ёки умуман ўлик чиққан хонадонга кириб, фотиҳа ўқувчи киши.

2 Бирор хурсандчилик, ижобий воқеа-ҳодиса муносабати билан кимсанинг хонадонига бориб, уни табрикловчи, муборакбод қилувчи, дуо қилиб, яхши тилаклар билдирувчи. *Шу кун кечгача шаҳарнинг ҳамма табақаларидан ҳам фотиҳахонлар келиб турдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Иккинчи, учинчи туркум фотиҳахонлар келгандан сўнг, махдум.. уни [Анварни] чақиртириб келишга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОТИҲАХОНЛИК Белгили кунларда ўлик чиққан уйга кириб, фотиҳа ўқиш, таъзия изҳор қилиш жараёни, маросими.

2 Бирор воқеа-ҳодиса муносабати билан кимсани табриклаш, муборакбод қилиш. *[Абдураҳмон] Уйига бориб тушди. Бир неча кунгача фотиҳахонлик, ҳордиқ чиқариш маросимлари давом этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОТИҲАЧИ *айн.* **фотиҳахон.**

ФОТИҲЛИК Бирор ҳудуд, мамлакатни забт қилишлик, босқинчилик. *Ўрта Осиё халқларининг воқеаларга бой тарихида Искандарнинг фотиҳлик юришлари ҳам маълум ўрин эгаллайди.* А. Қаюмов, Навоийнинг «Садди Искандарий» достони. *Ҳар қандай фотиҳлик қурол билан, қон билан амалга оширилса-да, бу усул фотиҳлар ғалабасини барқарор қилади, деган гап эмас.* Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

ФОТМАЧУМЧУҚ *зоол. шв.* Тўрғай; сўфитўрғай. *Жар ичида сув милтирайди, у ердан фотмачумчуқ.. қушининг чиқ-чиқ, қийқ-қийқ овозлари келади.* Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор.

ФОТО [*юн.* phos, photos — ёруғлик] *айн.* **фотография.** *Янги экспонатлар токчасининг охирги бурчагида эса бир фото жилваланиб турарди.* «Муштум».

ФОТО- [*юн.* phos, photos — ёруғлик, нур] Байналмилал ўзлашма, шунингдек, ярим калькаланган қўшма сўзларнинг биринчи қисми: 1) ёруғлик ҳодисаларига, ёруғлик таъсирига, умуман, ёруғликка тааллуқли-

ликни кўрсатади (мас., *фотосинтез, фотокимё, фотоэлемент);* 2) фотография, суратга алоқадорликни, фотография усулида тайёрланганликни билдиради (мас., *фотоаппарат, фотомонтаж, фотоқоғоз*).

ФОТОАППАРАТ [фото.. + аппарат] Фотосурат оладиган оптик-механик қурилма, фотография аппарати. *Фотоаппарат бир лаҳзада киши тасвирини қандай илиб қолса, унинг тасаввури ҳам қизнинг ўша қиёфасини шундай эслаб қолган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФОТОБИОЛОГИЯ [фото.. + биология] Биологиянинг ультрабинафша ва инфрақизил нурлар, умуман, ёруғлик таъсирида организмларда содир бўладиган жараёнларни ўрганувчи бўлими.

ФОТОГРАФ Фотография мутахассиси, фотография билан шуғулланувчи. *Қарсак тиниб, зал энди жимиган эди, киночилар, фотографлар чаққонлик билан ишга киришиб кетдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ФОТОГРАФИК Фотографияга оид, алоқадор. *Фотографик санъат. Фотографик камера. Фотографик кўргазма.*

ФОТОГРАФИЯ [фото.. + *юн.* grapho – ёзаман] **1** Махсус оптик аппарат – фотоаппарат воситасида объектларнинг кўз илғайдиган тасвирини ёруғликсезгир материаллар (қоғоз, пластинка ёки плёнка)га тушириш, суратга олиш усули. *Фотография тўгараги.* ▬ *20-асрда фотография асосий ахборот ва ҳужжатлаштириш воситаси бўлиб қолди.* «ЎзМЭ».

2 Шундай усулда олинган сурат. *Рангли фотография.*

3 Шундай усулда сурат оладиган ишхона, устахона. *Фотографияга келмоқ.*

ФОТОГРАФЛИК Фотограф касби, машғулоти. *Фотографликни ўрганиб олмоқ.*

ФОТОКАМЕРА [фото.. + камера] *айн.* **фотоаппарат.**

ФОТОКИМЁ [фото.. + кимё] Физик кимёнинг ёруғлик таъсирида содир бўладиган кимёвий реакцияларни ўрганувчи бўлими.

ФОТОКОПИЯ [фото.. + копия] *айн.* **фотонусха**. *Биз фотокопиясига эга бўлган луғатда рўйхати берилган рус сўзлари қаршисига ўзбек ва тожик сўзлари араб алифбосида ёзиб қўйилган.* «ЎТА».

ФОТОКЎРГАЗМА [фото.. + кўргазма] Фотосуратлар қўйиладиган, фоторасмлар билан безатиладиган кўргазма; фотовитрина.

ФОТОЛАБОРАТОРИЯ [фото.. + лаборатория] Фотосурат олиш ва кўпайтириш учун махсус жиҳозланган хона, кабинет, лаборатория; суратхона. *Фотолаборатория ва зарур жиҳозларнинг йўқлиги ҳаваскор сураткашлар учун катта қийинчилик туғдирди.* Газетадан.

ФОТОЛАМПА [фото.. + лампа] **1** Фоторасмларни ишлашда қўлланадиган қизил шишали лампа.

2 *айн.* **фотоэлемент**.

ФОТОЛЕНТА [фото.. + лента] Фоторасмлар туширишга мўлжалланган лента. *Анализ натижалари 12 см кенгликдаги фотолентага.. эгри чизиқлар асосида ёзиб олинади.* «ЎТА».

ФОТОЛИЗ [фото.. + *юн.* lysis – ажралиш, парчаланиш; бузилиш] *ким.* Суюқ, қаттиқ ва газсимон моддаларнинг ёруғлик нури таъсирида парчаланиши.

ФОТОЛИТОГРАФИЯ [фото.. + литография] *плгрф.* Литография учун босма қолип тайёрлаш усули: тасвирни ёруғлик сезгир қатлам билан қопланган тош ёки металлга тушириш (босиш); шундай усулда тайёрланган босма қолипдан олинган нусха. *Фотолитография усули.*

ФОТОМАТЕРИАЛ [фото.. + материал] **1** Фотосурат ва кино олишда ишлатиладиган материаллар (фотоқоғоз, плёнка, хилма-хил ёруғликсезгир химикатлар). *Станция биносига почта, озиқ-овқат, янги приборлар, кино ва фотоматериаллар олиб ўтилди.* Газетадан.

2 Бирор мақсад учун фойдаланиш мумкин бўлган турли фотосуратлар, фотография маҳсулотлари. *Кўргазма учун фотоматериал тайёрлаш.*

ФОТОМЕТР [фото.. + *юн.* metreo – ўлчайман] *физ.* Фотометрик (ёруғлик) катталиклар (ёруғлик кучи, ёруғлик энергияси, ёритилганлик ва б.)ни ўлчайдиган оптик асбоб.

ФОТОМЕТРИК Фотометрияга оид. *Фотометрик методлар ёрдамида олиб борилган кузатишлар Марс сирти жуда текис эканлигини ва унда ҳеч қандай тоғлар йўқлигини кўрсатди.* Газетадан.

ФОТОМЕТРИЯ [фото.. + *юн.* metreo – ўлчайман] *физ.* Оптиканинг ёруғлик катталикларини ҳамда электромагнит нурланишнинг энергетик тавсифларини ўлчаш билан шуғулланувчи бўлими.

ФОТОМОНТАЖ [фото.. + монтаж] Фотосуратлар ёки уларнинг айрим қисмларидан, баъзан бошқа расмлар қўшган ҳолда бадиий ва мазмуний жиҳатдан яхлит композиция тузиш; шу усулда тайёрланган фотоплакат, реклама ва б.

ФОТОМУХБИР [фото.. + мухбир] Газета ва журналларга долзарб масалалар юзасидан фотосуратлар тайёрлаб берадиган мухбир. *Айрим журналистлар, фотомухбирлар ва табиат ҳаваскорлари пул мукофотлари ва дипломлар билан тақдирланди.* Газетадан.

ФОТОН [*юн.* phos, photos – ёруғлик] Электромагнит нурланишнинг кванти, энг кичик зарраси.

ФОТОНУСХА [фото.. + нусха] Бирор асар, ҳужжат ва ш.к. нинг фотографик нусхаси, айнан кўчирмаси.

ФОТОПЛАСТИНКА [фото.. + пластинка] Фотографиянинг расм тушириш учун мўлжалланган, ёруғликни тез илғовчи ойнаси.

ФОТОРАСМ [фото.. + расм] *айн.* **фотосурат**. *-Бу одамнинг жиноят қилганига ҳечам ишонмайман, – деди Нигора қўлидаги фоторасмга тикиларкан.* С. Анорбоев, Оқсой.

ФОТОРЕПОРТАЖ [фото.. + репортаж] Фотография воситасида тайёрланадиган репортаж.

ФОТОРЕПОРТЁР [фото.. + репортёр] Репортаж учун сурат олиш билан шуғулланувчи фотограф, сураткаш.

ФОТОСИНТЕЗ [фото.. + синтез] *бот., биол.* Яшил ўсимликлар, сувўтлар ҳужайраларида ва баъзи микроорганизмларда ёруғлик таъсирида карбонат ангидрид ва сувдан органик моддаларнинг ҳосил бўлиш жараёни; қуёш энергиясининг органик моддалардаги кимёвий энергияга айланиши.

ФОТОСУРАТ [фото.. + сурат] Фотография усулида олинган сурат; фоторасм. *Афсуски, унинг* [*Малоҳатнинг*] *фотосурати ҳам йўқ эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Умид янги уй деворидаги Ҳафиза фотосуратига тикилди.* Мирмуҳсин, Умид.

ФОТОСЪЁМКА [фото.. + съёмка] Бирор ҳудуд ёки объектни фотография йўли билан (кўпроқ осмондан туриб) суратга олиш.

ФОТОТЕЛЕГРАММА [фото.. + телеграмма] Фототелеграф орқали юборилган ёки олинган телеграмма, матн, хат, ҳужжат, чизма ва ш.к.

ФОТОТЕЛЕГРАФ [фото.. + телеграф] Қоғозга туширилган хат, ҳужжат, чизма, расм ва ш. к. тасвирларни узоқ масофага узатадиган телеграф аппарати.

ФОТОТЕРАПИЯ [фото.. + терапия] *тиб.* Сунъий, нотабиий манбалардан ҳосил қилинадиган инфрақизил, кўзга кўринарли ва ультрабинафша нурлардан даволаш ва профилактика мақсадларида фойдаланиш; нур билан даволаш.

ФОТОХРОНИКА [фото.. + хроника] Фотосуратларда, фотосуратлар ёрдамида акс эттирилган воқеалар хроникаси.

ФОТОЧИ *с. т.* Фотограф. *Кичкина суратни катта қиладиган фоточи келган, хоҳлаганлар кутубхоначи қизга учрашсин.* С. Аҳмад, Саҳарларда.

ФОТОЭЛЕМЕНТ [фото.. + элемент] Ўзига тушадиган ёруғликни ютиб, электр энергиясига айлантирадиган электр асбоб. *Фотоэлементлар, одатда, нурланиш ёки ёруғлик қабул қилгичлар вазифасини ўтайди.* «ЎзМЭ».

ФОТОҚОҒОЗ [фото.. + қоғоз] Бир томони ёруғликсезгир модда билан қопланган, фотосуратлар тушириладиган қоғоз.

ФОТОҲАВАСКОР [фото.. + ҳаваскор] Фотография иши билан ҳаваскор сифатида шуғулланувчи киши. *Кўргазмадаги фотоҳаваскорлар олган суратлар ҳам кишининг диққатини тортади.* Газетадан.

ФОТОҲУЖЖАТ [фото.. + ҳужжат] Бирор масала юзасидан тўпланган фоторасмлардан иборат далил, ҳужжат; фотоматериал.

ФОХИРА [*а.* فاخره – чиройли, келишган] Кўркам, келишган, серҳашам; ғурурланишга лойиқ. *Ундай бўлса, бозорга бориб, ўзинг учун либоси фохира харид қилгин, деди.* «Шарқ юлдузи». *Менга фохира либослар кийдиришди.* «Шарқ юлдузи».

ФОХТА [*ф.* فاخته] *зоол.* Бўйнида қора ҳалқаси бўлган, каптардан кичикроқ, кулранг чўл қуши; тўрғай; жиблажибон. *Чум-*

чуқлар чирқилламоқда.. мусича, фохталар кукуламоқда. С. Айний, Қуллар.

ФОШ [*ф.* فاش – очиқ, ошкор; машҳур] Ҳаммага маълум, машҳур; ошкор, ошкора. *Фош бўлмоқ. Фош қилмоқ (этмоқ). Камчиликларни фош қилмоқ.* ▬ *Зебо ўз муҳаббати ҳақида ҳеч ким билан маслаҳатлашишни, бировга фош қилишни истамасди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Зебихон, ёлғони фош бўлиб қолганидан, гапни ҳазилга буриб юборди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ФОҲИШ [*а.* فاحش – чегарадан чиққан, ҳаддан ортиқ; бемаъни; ахлоқсиз, беадаб] **1** Одобдан ташқари, беадаб, ахлоқсиз. *Фоҳиш эркак.* ▬ *Қодирохун кабилар – Фоҳиш орзунинг қули. Қай тарафга узатса, Етадир ифлос қўли.* Ғайратий.

2 Ана шундай иш билан шуғулланувчи шахс, хиёнаткор, фоҳишабоз. *Мансурхўжа.. иғвогарлиги устига ўлгунча фоҳиш.* «Муштум».

ФОҲИША [*а.* فاحشه – фоҳиш аёл, бузуқ, хиёнаткор аёл] Ўз танини сотишдек бузуқ, фаҳш ишлар билан шуғулланувчи аёл; зинокор аёл. *Шундай йўллар билан булар фоҳиша кўпайтирар экан-да.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Аммо сен ифлос балчиққа бўғзингдан ботиб, унинг қўланса исини олиб қолган экансан, фоҳиша!* К. Яшин, Ҳамза.

ФОҲИШАБОЗ [*а. + ф.* فاحشه‌باز – фоҳиша ўйновчи; ўйнаш тутувчи] Ахлоқи бузуқ аёллар билан жинсий алоқа қилишга ўта берилган эркак.

ФОҲИШАБОЗЛИК Фаҳш ишлар билан машғул бўлиш, ахлоқий бузуқлик, зинокорлик. *Гиёҳвандлик қандай қилмишларга сабаб бўлиши, фоҳишабозликнинг нақадар жирканч, тубан эканлигини яширмай-нетмай кўрсатмоқдамиз.* Газетадан.

ФОҲИШАЛИК Танини сотишдек ахлоқсиз, бузуқ иш билан шуғулланиш. *Фоҳишалигингни билардим-у, туҳматчилигингни билмасдим.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ФОҲИШАХОНА [фоҳиша + хона] *эск.* Фоҳишалар яшайдиган ва фоҳишабозларни қабул қиладиган жой; исловотхона. *Ҳайит кунлари тўқлигидан шўхлик қиладиган бойвачча йигитлар қовоқхона ва фоҳишахоналарга кириб, ичиб юрарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ФРАГМЕНТ [*лот.* fragmentum – синиқ, бўлак, парча] **1** Бирор ижод маҳсули (бадиий асар, мақола, мусиқа) парчаси, бир қисми. *Операдан олинган фрагмент.*

2 Рассомлик, ҳайкалтарошлик, меъморлик каби санъат асарининг сақланиб қолган парчаси, қисми.

ФРАЗА [*юн.* phrasis – ибора, жумла] **1** *тлш.* Нутқнинг тугал фикр билдирувчи, одатда гапга тенг келувчи мустақил бирлиги.

2 *мус.* Унча катта бўлмаган, алоҳида, нисбатан тугалланган мусиқа асари (куй, оҳанг).

ФРАЗЕМА *тлш. қ.* **фразеологизм**. *Экспрессивликнинг даражаланишини биргина фраземанинг турли ўзгаришлар билан қўлланишида ҳам кўриш мумкин.* «ЎТА».

ФРАЗЕОЛОГИЗМ [*юн.* phrasis – ифода, жумла + logos – сўз] *тлш.* Тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик (мас., *томдан тараша тушгандай* – тўсатдан, қўққисдан). *Асарда чуқур маъноли, ихчам, ҳикматона жумлалар – фразеологизмлар кўп учрайди.* «ЎТА».

ФРАЗЕОЛОГИК Фразеологияга оид, алоқадор. *Фразеологик луғат. Фразеологик омонимия. Фразеологик ибора.*

ФРАЗЕОЛОГИЯ [*юн.* phrasis – ибора + logos – билим, тушунча] **1** Тилшуносликнинг муайян тилгагина хос бўлган фразеологизм (фразема)ларни ўрганадиган соҳаси.

2 Бирор тилдаги барча фразеологизмлар (фраземалар) мажмуи. *Ўзбек тилининг фразеологияси. Навоий асарлари фразеологияси.*

ФРАК [*фр.* frac] Олд қисми калта қилиб ўйилган, узун орқа этагининг қуйи қисми иккига ажралган, асосан тантаналарда кийиладиган эркаклар кийими, костюм. *Кўп ўтмай фрак кийган дирижёр ўз ўрнига чиқди-ю, «Боқчасарой фонтани»нинг увертюрасини бошлади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ФРАКЦИОН *сиёс.* Фракцияга оид, мансуб. *Фракцион кураш. Фракцион гуруҳ.*

ФРАКЦИОНЕР *айн.* **фракциячи.**

ФРАКЦИЯ I [*фр.* fraction – қисм, бўлак; улуш < *лот.* fractio – синиш, парчаланиш, дарз кетиш; синиқ жой, дарз] *сиёс.* **1** Бирорбир сиёсий партиянинг, қонунчилик органининг сиёсатини парламентда, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат

ташкилотларида ифода этувчи ташкилий гуруҳ.

2 Аниқ ғоявий-сиёсий стратегияга ва уни амалга оширишга қаратилган дастур (платформа)га эга бўлган сиёсий партиянинг алоҳида қисми.

ФРАКЦИЯ II Суюқ аралашманинг, сочилувчан ёки бўлак-бўлак қаттиқ материалнинг бирон-бир белгиси, хоссасига кўра ажратилган қисмлари.

ФРАНК [*фр.* franc] Франция, Бельгия, Швейцарияда, шунингдек, баъзи Европа ва Африка мамлакатларида пул бирлиги (евронинг жорий этилиши муносабати билан айрим мамлакатларда муомаладан чиқарилди).

ФРАНЦИЙ [*лот.* francium – элемент кашф этилган жой (Франция) номидан] Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент; энг фаол ишқорий металлардан бири.

ФРАНЦУЗ *қ.* **французлар.** *Француз тили. Француз аёл. Француз адабиёти.* ▬ *Дилшод.. ҳозир ўша мактабда француз тилидан дарс беради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФРАНЦУЗЛАР Франциянинг асосий, туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ, француз ҳалқи.

ФРАНЦУЗЧА 1 Францияга, француз халқига, унинг алифбоси, тили, маданиятига оид. *Французча қўшиқ.* ▬ *Дилшод кинодаги офицерлардек бошини кескин силкиб, сўзсиз саломлашди. Бу қилиғи Ёдгорга ёқмади. «Мана, французча саломлашишниям ўрганиб олдик», деб ўйлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Француз тили. *Сен французча(ни) биласанми? Французча гапирмоқ.*

ФРЕЗА [*фр.* fraise – қулупнай] *тех.* Металл ва металлмас материаллардан чала тайёрланган маҳсулотларнинг юзаларига ишлов бериш, уларда тиш, резьба ўйиш ва б. ишлар учун хизмат қиладиган кўп тиғли кесувчи асбоб.

ФРЕЗАЛАМОҚ Фреза асбоби билан ишлов бермоқ.

Фрезалаш станоги Деталларнинг ташқи ва ички юзалари, ботиқлар ва чиқиқларга, айланувчи жисм сиртларига фреза билан кесиб ишлов берувчи станок.

ФРЕЗЕРОВКАЧИ Фрезалаш станогида ишловчи ишчи, уста. *Фрезеровкачи бўлиб ишламоқ.*

ФРЕЗЕРЧИ *айн.* **фрезеровкачи.**

ФРЕСКА [*итал.* fresko – янги, қуримаган] Хом, ҳали қуримаган сувоқ устига ранг-дор қилиб ишланган расм. *Афросиёб фрескалари.* ▬ *Фреска санъатининг Ўзбекистонда ривожланишига Ч. Аҳмаров.. ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.* «ЎзМЭ».

ФРИКАТИВ [*лот.* fricatio – ишқаланиш]: **фрикатив ундошлар** *тлш.* Нутқ аъзолари бир-бирига яқинлашиб, ҳаво тор оралиқдан сирғалиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган **в, ф, з, с, ж, ш, х** ундошлари.

ФРИЦ [*нем.* Fritz – немисларда кенг тарқалган исм] Шарқий Европанинг айрим мамлакатларида немисларнинг, Иккинчи жаҳон уруши даврида немис солдатларининг нафрат ифодаловчи номи. *Зебо фрицни биринчи марта яқиндан кўриши эди, унинг юраги гупиллаб уриб кетди.* Газетадан.

ФРОНТ [*фр.* front – пешона < *лот.* frons, frontis – пешона, олд томон] **1** Ҳарбий саф ёки колонна ва унинг қўмондонга қараб турган олд томони.

2 Жанг ҳаракатлари бўлаётган ҳудуднинг, майдоннинг душманга қараб турган олд томони, жанг майдони. *Дадамат ака, башарти уруш бошланиб қолса, ўша заҳотиёқ қўлига қурол олиб, фронтга жўнайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Онанинг уч ўғли – кўзининг оқ-қоралари фронтдан қайтмади.* «Гулдаста».

3 Бевосита уруш, жангнинг ўзи. *Фронт Бектемирга дастлаб унча ваҳимали кўринмади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Уруш вақтида ҳаракатдаги армиянинг бир қўмондон раҳбарлиги остидаги энг йирик гуруҳи – олий оператив-стратегик бирлашма. *Украина фронти. Жанубий фронт.* ▬ *Мирзаев Ғарбий фронтнинг ўзида учта хат, иккита совға олган эди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

5 *кўчма* Оммавий ҳаракатлар майдони, шунингдек, бирон-бир иш, фаолият соҳаси. *Меҳнат фронти.* ▬ *Мудҳиш уруш – қон тўкиш тўхтатилди. Тинч меҳнатда тер тўкиш фронти бошланди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу ер фронт! Пахта фронти! Дангасалик қилган одам шафқат кутмасин.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФРОНТДОШ Бир фронтда бирга хизмат қилган. *Фронтдош дўстлар хат орқали ўзаро алоқа боғлаб туришарди.* Газетадан.

ФРОНТОВИК [«фронт» с. дан] *с. т.* Фронтчи. *Ўзингиз фронтовик бўлсангиз ҳам, фронт эсингиздан чиқибди, ука.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ФРОНТЧА *айн.* **фронтчасига.** *Асрорқул.. чолларни йиғиб, мажлис қилди. Шу мажлисдаёқ ҳалиги чоллар фронтча ишлайдиган бригадаларга бирикиб олди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ФРОНТЧАСИГА *рвш.* Фронтдагидек, уруш давридагидек; фронт талабига мувофиқ равишда. [*Тоға*:] *Раҳмат, жиян, раҳмат. Фронтчасига иш қипсан.* С. Аҳмад, Уфқ. *Доим шунақа, фронтчасига лўнда, аниқ, қисқа сўзлайди Ҳошим ака.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ФРОНТЧИ Фронтда хизмат қилаётган ёки уруш маҳалида фронтда, ҳаракатдаги армияда бўлган киши. *Йигитча фронтчи акасининг келишидан, уйи тўлиб қолишидан қувончи ичига сиғмас эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ФРУКТОЗА [*лот.* fructus – мева] Мева ва асалда кўп миқдорда учрайдиган ширин таъмли, рангсиз кристалл модда, мева шакари. *Асал глюкоза, фруктоза, сахароза ва минерал моддалардан ташкил топади.* «Фан ва турмуш».

ФТИЗИАТР Фтизиатрия мутахассиси, ўпка силини даволовчи врач.

ФТИЗИАТРИЯ [*юн.* phthisis – сил касаллиги + iatreia – даволаш] Тиббиётнинг ўпка сили, унинг келиб чиқиши ва касаллик жараёнини ҳамда уни даволаш, олдини олиш йўлларини ўрганадиган бўлими.

ФТОР [*р.* < *юн.* phthoros – ўлим; емирувчи] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; галогенлар қаторига кирувчи ўткир ҳидли, оч сариқ тусли, заҳарли газ. *Бир суткада организмга овқат орқали 1 миллиграммга яқин фтор киради.* «ЎзМЭ»

ФТОРЛИ Таркибида фтор бўлган. *Фторли водород. Фторли бирикма.*

ФУ *унд.с.* Жирканиш ҳолатини ифода этади. *Фельдшер, фу, дея афтини буриштирди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Енгини шимараётган эди, қиз секин: -Фу! қўйинг, мой бўласиз! Бу сизнинг ишингиз эмас! – деди.*

ФУГАС [*фр.* fougasse] Ерга кўмиладиган, сув остига ёки бошқа бирор объектга қўйиладиган портловчи модда заряди. *Погодин қисмлари кўприкдан ўтиб олгандан кейин, Юрьев кўприк остида учта фугас атрофларига мина кўмдириб, уни истаган дақиқада портлатишга ҳозирлаб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ФУЖЕР [*фр.* fougere] Таглиги (пояси) баланд катта бокал. *Жавлон қўлларини бир-бирига завқ билан ишқаб, стол устидаги фужер, рюмкаларни нари-бери қилиб, текислаб қўйди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ФУЗАЛО [*а.* فضلاء – «фозил» с. нинг кўпл.] *эск. кт.* Ўқимишли кишилар; донишмандлар, зиёлилар; фазилат эгалари. *Ҳукмдор қанчалик оқил ва одил бўлса, раият, уламо, фузало ҳам ҳақгўйликка юз тутгай.* М. Маҳмудов, Мангу куй. *[20-аср] 80-йилларнинг ўрталарига келиб олим ва фузалоларга қарши.. юриш бошланди.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ФУЗУЛ [*а.* فضول – «фазл» с. нинг кўпл.] Яхши хислатлар, обрў-эътибор, илтифотлар, афзалликлар. -*Сенинг илму фузул аро шуҳратинг, Устоди Соний номинг ғалатми? Сен бу офатнинг қаёқдан келганини, нима эканини билмайсанми? – деди шоҳ Ал-Форобийга.* А. Мухтор, Чинор.

ФУЗУН [*ф.* فزون – «афзун» с. нинг бошқача шакли] *эск. кт.* Ортиб, зиёда бўлиб борадиган, кўп ортиқ, зиёда. *Илойим, дўстларингнинг умри узун, давлатлари фузун бўлсин.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

ФУНДАМЕНТ [*лот.* fundamentum – асос, пойдевор] **1** Бирор бино девори, иншоот, дастгоҳ ва ш.к. нинг пастки, мустаҳкам қисми; пойдевор. *Уч йил илгари қурила бошлаган биноларнинг ҳали фундаменти ҳам битмабди.* «Муштум».

2 *кўчма* Бирор нарсанинг асоси; ишончли таянчи, базаси. *Ёшлик – фундамент. Унинг ғиштини тўғри қўйиш керак.* Мирмуҳсин, Ажрим.

ФУНДАМЕНТАЛ [*лот.* fundamentalis – асос (негиз) бўлувчи, асос қилиб олинувчи] **1** Асосий, бош, энг муҳим. *Фундаментал кутубхона.*

2 Чуқур текширилган, асосли, теран. *Фундаментал асар. Фундаментал билимлар. Фундаментал тадқиқот.*

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ [*лот.* fundamentalis – асос бўлувчи] Бирор таълимот ақидаларининг, жумладан, илоҳий китоблардаги тушунчаларнинг дастлабки, соф ҳола-

тини сақлаб қолишни астойдил ҳимоя қиладиган, уларни бошқа (мажозий) маънода талқин этишни рад этадиган ижтимоий, мавкуравий, диний йўналиш. *Фундаментализм диндор мусулмонларнинг давлатга бўлган ишончини йўққа чиқаришга уринади.* Газетадан.

ФУНДАМЕНТАЛИСТ Фундаментализм тарафдори; фундаментализм ғоялари учун курашувчи.

ФУНКЦИОНАЛ 1 Функцияга оид; вазифага алоқадор; вазифавий. *Функционал боғланиш. Функционал таҳлил. Тилнинг функционал доираси. Функционал услублар.* ▬ *Ҳар бир функционал услуб ижтимоий фаолиятнинг маълум соҳаларидан бирига хизмат қилади.* «ЎТА».

2 Бирор нарсанинг тузилишига эмас, балки фаолиятига, хизматига, вазифасига боғлиқ бўлган. *Меҳнатнинг функционал тақсимоти. Юракнинг функционал касаллиги.*

ФУНКЦИЯ [*лот.* functio – ижро этиш, бажариш] **1** *мат.* Эркин ўзгарувчи миқдор (аргумент)нинг ўзгаришига қараб ўзгариб турадиган, боғлиқ (тобе) ўзгарувчан миқдор. *Ўткир бурчакнинг тригонометрик функциялари. Функциялар назарияси.* ▬ *Битта функциянинг ўзи турли хил формулалар билан ифодаланиши ҳам мумкин.* «ЎзМЭ».

2 *биол.* Бирор аъзо ёки организмнинг ишлаб туриши, фаолияти. *Юракнинг функцияси.* ▬ *Одам ўз организмининг тузилиши ва функциялари тўғрисидаги билимларга эга бўлиши муҳим.* «Одам анатомияси ва физиологияси».

3 *кўчма* Бирор ижтимоий ташкилот, кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси; вазифаси. *Бу ишни бажариш менинг функциямга кирмайди.* ▬ *Она образининг бошқа бир ғоявий-эстетик функциясини ҳам унутмаслик керак.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ФУНТ [*нем.* Pfund < *лот.* pondus – вазн, оғирлик; тарози тоши] **1** Инглиз ўлчов тизимида асосий масса бирлиги: савдода 0,4536 кг га, дорихонада 0,3732 кг га тенг; рус ўлчов тизимида масса бирлиги: савдода 0,49951241 кг га, дорихонада 0,3073 кг га тенг бўлган.

2 Ирландия, Кипр, Ливан, Миср, Сурия каби бир қатор мамлакатларда асосий пул бирлиги.

Фунт стерлинг [*ингл.* pound sterling] Буюк Британиянинг асосий пул бирлиги.

ФУНУН [*а.* فنون – «фан» с. нинг кўпл.] *эск. кт.* Фанлар, илмлар. *Улум, фununнинг қадр-қийматини билган ота.. гўзал тарбия, ҳусн, ахлоқ берган.* Ойбек, Навоий. *Ёқа ушлаб қолди бутун Шарқ, Таъзим этди жаҳон фунуни.* М. Али, Боқий дунё.

ФУРАЖКА [*фр.* fourrage – ем-хашак тайёрловчининг бош кийими < feurre – сомон] Эркакларнинг гардишли ва қисқа соябон (козирёк)ли бош кийими. *Қурбон ота фуражкасини тўғрилаб, йигитларча қийғир қараш қилди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Лейтенант ҳам бошига фуражкасини кийди-да, Йигиталининг орқасидан юрди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ФУРГОН [*ф.* fourgon] **1** *эск.* Думалоқ соябонли, от қўшиладиган арава.

2 Юк ва йўловчи ташиш автотранспортининг усти ёпиқ кузови. *Кечга яқин идоранинг қизил фургон «Москвич»ида уйига қайтди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар.

ФУРСАТ [*а.* فرصت – мақбул, қулай вақт; имконият; ишдаги узилиш, таътил] **1** Бирор ишни бажариш учун энг қулай вақт, пайт. *Фурсат пойламоқ. Фурсат келди. Фурсатдан фойдаланмоқ.* ▬ *Ҳасратлашишга жуда қулай фурсат туғилди. Кимнинг дарди йўқ дейсиз!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Фурсат – олтин, сен кўкрак кериб, Олтинингни сочиб юрибсан.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

Фурсатни бой (*ёки* **қўлдан**) **бермоқ** Қулай вақт, пайтдан фойдаланмай, уни бекорга, бемақсад ўтказмоқ. *Ҳозир.. ўйланиб ўтириш, фурсатни бой бериш пайти эмас.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳофиз фурсатни қўлдан бермай, сафар анжомларини тайёрлаб, икки навкар билан йўлга чиқди.* М. Осим, Зулмат ичра нур. **Фурсатни қочирмоқ** *айн.* **фурсатни бой бермоқ.** *Зуҳра чиндан ҳам мени таниган! Фурсатни қочирмасдан, чорасини кўриш керак!* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ФУРУШ [*ф.* فروش – сотувчи; сотиш, пуллаш]: **фуруш қилмоқ** *кам қўлл.* Сотмоқ, пулламоқ. *Ҳаш-паш дегунча моллар белгиланган нархда харидорларга фуруш қилиб ташланди.* «Муштум».

ФУРУШАНДА [*ф.* فروشنده – сотувчи, савдо қилувчи] *кам қўлл.* Сотувчилар, чайқовчилар. *Фурушандалар ўз молларини мақтаб, харидор чорларди.* Н. Сафаров, Наврўз.

ФУРФУРОЛ [*ингл.* furfurol < *лот.* furfur – кепак, қипиқ + ol(eum) – ёғ, мой] *ким.* Ёғоч қириндилари, маккажўхори сўтаси, кунгабоқар пўчоғи ва ш.к. лардан олинадиган, жавдари нон ҳиди келадиган оч сариқ рангли суюқлик; органик бирикма (кимё ва нефть саноатида ишлатилади). *Эндиликда.. суюқлик шаклидаги фурфурол пахта чигити ва чигит тўфонидан олинади.* Ш. Тоҳиров, Янгилик яратувчилар.

ФУРҚАТ [*а.* فرقت – айрилиш, жудолик; тафовут, айирма; ихтилоф] **1** *эск. кт.* Ўзига азиз, севимли бўлган кимса, ватан ёки нарсадан узоқда яшаш; айрилик; ҳижрон. *Фурқат аро ташлаб мени, эй шўхи дилдор, ўртама.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Фурқат (эркаклар исми).

ФУСАҲО [*а.* فصحاء – «фасиҳ» с. нинг кўпл] *эск. кт.* Гапга чечан, чиройли ва мазмунли гапирадиган кишилар, сўз усталари. *Бу ғазалларни ўқиб, форс фусаҳолари ва ўзимизнинг форсипарастларимиз не деб оғиз очишга жасорат қила олурлар?* Ойбек, Навоий.

ФУСУН [*ф.* فسون – «афсун» с. нинг бошқача шакли] *эск. кт.* Киши ёки нарсани ўзига жалб ва мафтун этувчи куч; жозиба, чирой. *Узун кўйлаги яшириб турган қадди-қомати, кўзлардаги фусуну лаблардаги латофат ногаҳоний ҳасрат ниқобига ўралди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Сеҳр, жоду; макр, ҳийла. *Зоти олийни ул бухоролик жодугарнинг фусунларидан қутқариб олмоқ керак..* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ФУСУНГАР [*ф.* فسونگر – афсун қилувчи, сеҳр-жоду қилувчи] **1** Ҳийлагар, жодугар, алдоқчи, кўзбўямачи. *Мени порсо одамлар фусунгарга чиқаришган.* М. Қориев, Ибн Сино.

2 Ўзига жалб этувчи, мафтун қилувчи. *Адабиёт олами мен учун аллақандай фусунгар, улуғвор, ҳатто илоҳий бир оламга ўхшайди.* Газетадан.

ФУСУНКОР [*ф.* فسونکار – афсун қилувчи; сеҳрловчи] Ўзига тортадиган, мафтун этадиган; жуда гўзал, ўта жозибали. *Қиз ҳақиқатан гўзал экан. Ёниб турган фусункор кўзлари унинг юрагини қитиқлади.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар. *Ҳовлини Хоразм мақомларининг фусункор, мунгли наволари тўлдирди.* С. Сиёев, Аваз. *Дилшод оҳу кўзлардаги шўх ўтни.. нафис лаблардаги фусункор табассумни кўриб, бехуд турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ФУСУНКОРЛИК Кўркамлик, мафтункорлик; ўзига тортувчи ҳолат. *Баҳорнинг фусункорлигини ўз кўзинг билан кўрсанг.. қисқаси, бутун жисминг билан баҳорни эмсанг — унда бошқача бўлади.* О. Ҳусанов, Най.

ФУТБОЛ [*ингл.* football < foot – оёқ + ball – тўп] Ҳар бири ўн бир кишидан иборат иккита команданинг бир-бирининг дарвозасига оёқ, бош, елка (қўлдан ташқари) зарби билан кўпроқ тўп киритишга асосланган спорт ўйини. *Футбол тўпи. Футбол командаси. Футбол ўйнамоқ.* ▬ *Мол боқишга чиққан болалар эндигина майсалар кўз очган майдонда бақириб-чақириб футбол ўйнашарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФУТБОЛКА [«футбол» с. дан] Енги калта трикотаждан тикилган спорт кўйлаги.

ФУТБОЛЧИ Футбол ўйновчи. *Футболчиларимиз саралаш ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказмоқдалар.* Газетадан.

ФУТУВВАТ [*а.* فتوّت – ёшлик, ўспиринлик; мардлик, ботирлик] Қўли очиқлик, сахийлик, саховатлилик. *Паҳлавон Маҳмуд футувват – жавонмардлик ҳаракатининг ташкилотчисигина эмас, унинг маънавий раҳнамоси эди.* Газетадан.

ФУТУР [*а.* فتور – бўшашиш, ожизланиш; ҳолсизлик] Зарар, зиён, шикаст. *Серёмғир, рутубатли Мозандарон Ибн Синонинг сиҳатига футур етказган эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Футур кетмоқ Заифлашмоқ, кучсизлашиб қолмоқ, аввалги мавқеини йўқотмоқ. *Соғлигимнинг футури кетди.* ▬ *-У замонларда ҳунардан футур кетган эди, – деди Йўлдошев.* «Шарқ юлдузи». *Сўнгра, сотиб ейишдан бошқани билмаган бойваччанинг шу вақтларда анча футури кетган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ФУТУРИЗМ [*лот.* futurum – келажак] 20-аср бошларида Европа адабиёти ва санъатида пайдо бўлган, адабиёт ва санъатдаги бадиий ва маънавий мерос анъаналарини инкор этиб, анъанавий маданият билан алоқани узишни, замонавий урбанистик маданиятни тарғиб қилган авангардлик оқимларидан бири.

ФУТУРИСТ Футуризм ғоялари тарафдори.

ФУТУРИСТИК Футуризм ғоялари билан суғорилган, футуризмга асосланган. *Футуристик роман. Футуристик оқим.*

ФУТУРОЛОГИЯ [*лот.* futurum – келажак + *юн.* logos – билим, тушунча] Инсониятнинг ва жамият ҳаёти айрим соҳаларининг келажак ҳолатини башорат ва тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи илмий соҳа.

ФУФАЙКА [*итал.* fofa – иссиқ кўйлак] **1** Пахта солиб қавилган, олди тугмалаб кўйиладиган калта кийим, куртка. *Очил эса ёқаси ва енгларига қўнғир клеёнкадан жияк қўйиб тикилган эски пахталик фуфайкада.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Сувонжон худди шу харсангнинг тагида бошини фуфайкага буркаб, ғужанак бўлиб ётарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Иссиқ тутувчи трикотаж ёки жундан тўқилган калта уст кўйлак. *[Абдусамад:] Иссиқ сақланг. Москвадан жун фуфайка олиб келинг..* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ФУҚАРО [*а.* فقراء – «фақир» с. нинг кўпл.] **1** Бирор мамлакатнинг доимий (муайян юридик ҳуқуқларга эга бўлган) аҳолиси, гражданлар. *Ўзбекистон фуқароси. Россия фуқароси. Англия фуқароси.* ▬ *Қай подшонинг фуқароси бўласан?* «Юсуф ва Аҳмад». *Аслини олганда, томошабинларнинг аксарияти амирдан қочиб ўтган Бухоро фуқаролари эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Умуман, оддий халқ, омма. *Келган маҳсулотнинг нархи эса оддий фуқаро ҳамёнини чақади.* «Газетадан». *Мен подшолар учун эмас, Хуросон фуқароси учун мадраса соляпман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *этн.* Оддий, қашшоқ қора халқ вакили; *зид.* **хўжа 3.** *Фуқаро бош эгиб кирадиган қийшиқ эшик, гувала деворини эплаб олса ҳам катта гап.* Мирмуҳсин, Умид.

ФУҚАРОЛИК 1 Фуқаро (граждан) эканлик; фуқароларга оидлик; фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати. *Фуқаролик кодекси. Фуқаролик йиғини.* ▬ *Бу ҳар иккала чиқиш унинг улкан фуқаролик, ёзувчилик ва олимлик жасоратидир.* Газетадан. *Биз фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.* Газетадан.

ФУҚАРОПАРВАР [*а.* + *ф.* فقراپرور – фуқаросевар, халқпарвар] Оддий халқнинг ҳақ-ҳуқуқини, талаб-эҳтиёжларини ҳимоя қилувчи, унга ҳар томонлама ёрдам беришга интилувчи ёки амалда ана шундай ёрдам бераётган. *..Иккови ҳам фуқаропарвар: ғарибни дўст кўрадиган, етимлар манглайини силаган, оққўнгил шаҳзодалар эди.* «Ойсулув».

ФУҚАРОПАРВАРЛИК Оддий халқ – фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш; халқпарварлик. *-Мен сизларга жаноби олийнинг фуқаропарварлик билан тўла бўлган ҳумоюн саломларини келтирдим, – деди девонбоши.* С. Айний, Қуллар.

ФЮЗЕЛЯЖ [*фр.* fuselage – урчуқ] *авиа.* Учувчи аппаратларда: унинг барча қисмларини бирлаштиришга ва экипаж, йўловчилар, турли жиҳоз ва юкларни жойлаштиришга хизмат қиладиган умумий танаси, корпуси. *Самолётнинг фюзеляжлари ёнига иккита кучли реактив двигатель ўрнатилган.* Газетадан.

ФЮРЕР [*нем.* Führer – доҳий] *тар.* Фашистлар Германиясида Гитлерни шундай ном билан аташган. *..Бошқа ҳеч нарсани ўйлама, чунки фюрер сенинг учун ўйлайди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ФЎТА [*ф.* فوته – матодан қилинган белбоғ] Белга бир неча марта айлантириб ўраладиган узун белбоғ. *Сочини ёйиб, белига фўта ўраб олган Ойтуман юзларини тирнай-тирнай садр тушарди.* Э. Аъзамов, Олам ямяшил. *Унинг тилласимон ялтироқ фўтасига ойболта осилган, чап қўлида туғли узун найза бор эди.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.



ХАБАР [*а.* خبر – дарак; ахборот, маълумот; овоза; кесим (*тлш.*)] **1** Бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги ахборот, дарак, билдириш. *Муҳаммад Арғуннинг хабарига кўра, душманнинг катта қўшини Рафқондан ўтиб, Конибодом сари келаётган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ойлар ўтди ва йиллар ўтди, Лекин сендан бўлмади хабар.* Р. Парфи. *Онаси, эртага барвақт боққа кўчишга тўғри келгани учун, тезроқ ётиб тинчиш кераклигини айтди. Гулнор бу хабарни жуда совуқ қарши олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Янгилик. *-Мулла Абдишукур, - Мирзакаримбой меҳмонлардан бирига мурожаат қилди, – оламда нима хабарлар бор, гапирсангиз-чи.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Кундалик матбуот, радио ва телевидение воситасида олинган ахборот, маълумот; мақола. *Кечалари ухламай радио карнайига қулоқ тутиб, олис фронтда бўлаётган хабарларни эшитарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Республиканинг етакчи газетасида хабар чоп эттиришга ҳар қандай журналист ҳам муяссар бўлавермайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Ёмон (*ёки* **совуқ, хунук, шум, қора) хабар** Нохуш, қўрқинчли, даҳшатли воқеа-ҳодиса ҳақидаги маълумот, дарак. *Ёмон хабарнинг қаноти енгил бўлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бу совуқ хабар халқни бир чайқатди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кеча Андижондан хунук хабар келди: Рўзиохуннинг кенжасини чавақлаб кетишибди.* К. Яшин, Ҳамза. *У бир марта шундай шум хабарнинг дардини тортган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Айниқса, дадамнинг кейинги хатларидаги қора хабар билан.. дунё кўзимга торайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хабар бермоқ** Хабардор қилмоқ; билдирмоқ. *Хизматчилар ҳожидўппи кийган бу дарвиш ҳақида бойга хабар бердилар.* У. Исмоилов, Сайланма. **Хабар олмоқ** Бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги маълумотга ўз кўзи билан кўриб эга бўлмоқ; келиб кўрмоқ. *Нусратбек бўш вақти бўлганида, гоҳ кечаси, гоҳ кундузи бирров холасиникига келиб, ўғлидан хабар олиб кетади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Мен нариги хоналардан бир хабар олай, шогирдлар нима қилаётган экан, кўздан кечириб қўяй.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Хабар топмоқ** Муайян воқеа-ҳодиса ҳақидаги ахборотни эшитмоқ, билиб олмоқ. *Умар полвон бундан хабар топиб, отасидан қолган бир парча ерларини сотиб бўлса ҳам, укасини Тозагулга уйлантирмоқчи эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу воқеадан хабар топган ойиси уни [Хуршидни] қаттиқ жеркиганича.. бўш стулга ўтқазади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. **Хабари бор** 1**)** хабардор, воқиф. *Завқийнинг ҳам кейинги пайтларда табибнинг оиласи четга суриб қўйилганидан хабари бор эди.* К. Яшин, Ҳамза; 2) бирор иш ёки ҳунарни биладиган. *Тикувчиликдан хабари бор қиз.* **Хабари йўқ** Бирор нарса ҳақидаги маълумотни билмайдиган; бехабар. *Дилдорнинг бу гапдан хабари йўқ.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Ботир ака, ўлимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ, – деди қизариб Низомиддинов.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Ҳолидан хабар олмоқ** Бемор, кекса, ёрдамга муҳтож кимсаларни бориб кўрмоқ; ёрдам бермоқ. *Ўзи эмасми, онамнинг ҳолидан хабар олиб туринг, сизга ишонаман, деб илтимос қилган..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Дадамга та-*

ҳорат суви берадиган, эрта-кеч ҳолидан хабар оладиган бир мўъмин-маъқул заифа топилса, яхши бўларди. Ойбек, Танланган асарлар.

ХАБАРДОР [*а.* + *ф.* خبردار – маълум хабарга эга, биладиган, хабар берилган] **1** Хабари бор, ахборотга эга. *Унинг [Мусанинг] назарида, гўё Зиёдбек ҳамма гаплардан хабардор.* Н. Фозилов, Дийдор.

Хабардор бўлмоқ 1) воқиф бўлмоқ, хабар топмоқ, эшитмоқ; билмоқ. *Шов-шув кўтарма! Даданг хабардор бўлиб қолса, яхши бўлмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мулла Фазлиддиннинг юраги така-пука бўлиб кетди. Наҳотки бу бек пўлат сандиқдаги суратдан хабардор бўлса?!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 2) кузатиб турмоқ, назорат қилмоқ. *Олияхоннинг ота-онаси.. қизларидан хабардор бўлиб туриш учун уларни ўз уйларига кўчириб келдилар.* «Муштум». **Хабардор қилмоқ** Маълум қилмоқ, билдирмоқ. *Охири ўйлаб-ўйлаб, бу гаплардан сизни хабардор қилишга аҳд қилдим.* С. Аҳмад. Уфқ. *Бошлиққа телефон қилишдан мақсад маслаҳат сўраш эмас, балки чархпалак ўйинининг бошланганидан хабардор қилиш.* «Ёшлик».

2 *сфт.* Бирор соҳа бўйича муайян маълумотга эга, шу соҳани биладиган; омилкор. *Кафиллик берсам-бермасам, дипломатия ишларидан хабардор бошқа одамимиз йўқ.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Бу қиз [Хонзода] меъморлик санъатидан ҳам хабардор экан..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХАБАРКАШ [*а.* + *ф.* خبركش – хабар, гап ташувчи] *шв.* Чақимчи. *Ашурнинг: «Мен хабаркаш эмас!» деб илтижоли, қўрқув тўла боқишидан Изатулла ака: «Сиз хабаркаш экансиз!» деган маънони ўқирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ХАБАРКАШЛИК *шв.* Чақимчилик. *-Айтсам, хабаркашлик бўларди-да, домлажон, – деди Чоршанбиев дув қизариб.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХАБАРЛАМОҚ Хабар қилмоқ, маълум қилмоқ, дарак бермоқ; жар солмоқ. *Чол ноилож эртага тушдан кейин ҳаммани тўйга хабарлаб келди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бугун соат ўн иккида Отабек ила Мирзакарим қутидорнинг исёнчилик гуноҳи билан дорга осилишларини жарчи шаҳарга хабарлаб юрар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХАБАРНОМА [хабар + нома] Бирор нарса, воқеа ҳақида хабар берувчи ҳужжат; чақирув қоғози. *У бугун кеч соат тўққизда.. Наманган билан гаплашиши керак эди, чўнтагидаги хабарномада ким чақираётгани айтилмаган бўлса ҳам, ойиси эканини биларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ХАБАРСИЗ *айн.* **бехабар.** *Куёвингизнинг қизиқ табиатини шундан ҳам яхши билиб олсангиз бўлардики, шу чоққача ота-оналари ҳам бу фожиадан хабарсиз эканлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампир бу гаплардан хабарсиз, ҳадеб овқат ейишга қистарди.* Ойдин, Ҳикоялар.

ХАБАРСИЗЛИК *айн.* **бехабарлик.** *Мусулмонларнинг иттифоқсизлиги, бир-бирининг ҳолидан хабарсизлиги натижасида.. бундай фожиъ воқеалар рўй берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАБАРЧИ Хабар берувчи, маълум қилувчи; жарчи. *Ҳар ёққа хабарчилар.. Чопа-чопа кетдилар.* Ҳ. Олимжон.

ХАБИС [*а.* خبيث – ёмон, ярамас, разил; нопок, ифлос] *эск. кт.* Ёвуз; ифлос, бузуқ. *Оллоҳ.. Қуръони каримда афандимиз воситалари илан наҳйи этибдурки, 1300 сана сўнгра оврўпойилар бу хабисларнинг зарарини билиб, ўзларини сақламоқдадур.* М. Беҳбудий, Қасди сафар.

ХАВОТИР [*а.* خواطر – «хотир» с. нинг кўпл.] **1** Бирор кимса, нарса ёки бирор иш, ҳодиса ҳақида ташвишланиш, ҳадиксираш. *Келмаганингиздан хавотирда эдим.* ▬ *..бир оёғи чўлоқ хомсемиз Эминхожи тегирмончи хавотирда атрофга жаланглаб турарди.* Т. Ашуров, Марварид тут. *Ҳайдар бошини кўтарди, Козимга хавотир аралаш синчков боқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Хавотир бўлмоқ (*ёки* **олмоқ**) *қ.* **хавотирга тушмоқ**. *Ишлаганларнинг ҳақини ўзимиз тўлаймиз, хавотир бўлманглар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Йигитлар ундан [Иномжондан] хавотир олиб, анча вақтгача ухламай кутиб ўтиришди.* С. Аҳмад, Мўтти. **Хавотир қилмоқ** 1) ташвишлантирмоқ. *-Жон болам, – деди [Хадича хола] ҳовлининг ўртасида туриб, – хат юборгин, бизни хавотир қилма;* 2) *қ.* **хавотирга тушмоқ.** *Шунча одам орасида ҳар қайсиси ўзидан хавотир қилмай, бир-бирининг сирини очиб ташлаётипти.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. **Хавотирга солмоқ** Ташвишлантирмоқ. *Уни яна бир нарса хавотирга солиб қўйган*

эди. Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин. **Хавотирга тушмоқ** Бирор кимсадан, нарсадан ташвишланмоқ, ҳадиксирамоқ. *Заргаров Зиёданинг ҳаётини билган сари, хавотирга тушар.. эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ХАВОТИРЛАНМОҚ 1 Ташвишга тушмоқ, ташвишланмоқ; *Хосият хола қизидан хавотирланиб, эшик томон боргач, кўчага тикилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Бирор нарсадан хавфсирамоқ, чўчимоқ, қўрқмоқ. *Темиржон хавотирланди. Қаршисидаги йигитдан кўзини узмай, ортга бир қадам тисарилди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ХАВОТИРЛИ 1 Хавфли, қўрқинчли; хатарли. *Хавотирли иш. Хавотирли тун.* ■ *Водийдаги аҳвол хавотирли эди.* Т. Малик, Қалдирғоч.

2 *кўчма* Ташвишли. *Уч-тўрт қадам юргандан кейин Талъат хавотирли оҳангда гапирди: -Қаранг, Гавҳар, ҳавони булут ўраяпти. Одамларга жабр бўлади-да.. Пахтага ҳам.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХАВОТИРЛИК Қўрқув, ҳадик; ташвиш, саросима. *-Нима гап, қуда? – Очил бува ўрнидан туриб, Анзиратга хавотирлик билан қаради.* А. Мухтор, Чинор. *Қоракўз бегимнинг катта-катта кўзлари хавотирлик туйғусидан яна ҳам улканлашиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХАВОТИРОНА [*а.* + *ф.* خواطرانه – хавотир билан] *рвш.* Хавотирланиб, хавфсираб, қўрқа-писа. *У бир кўзини қия очиб, атрофга хавотирона назар ташлади.* Ф. Мусажонов, Чиқинди.

ХАВОТИРСИЗ Хавфсиз, хатарсиз, тинч. *Бу ер анча хавотирсиз эди. Хавотирсиз яшамоқ.*

ХАВФ [*а.* خوف – қўрқинч, қўрқиш, ваҳима, ҳадиксираш] **1** Бирор хатарли ҳодиса ёки фалокат содир бўлиши эҳтимоллиги, хатар. *Бу воқеадан хабар топган Султон Али мирзо ўлим хавфи ўзига ҳам яқинлашиб келаётганини сезди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шошиш керакмас, чунки бу йил тошқин хавфи йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Хавотирланиш, хавфсираш; хавотир, ташвиш. *Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидан, Мени ҳам этмаса мажнун дебон Раънони(нг) савдоси.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Хавф остида Бирор нарса ёки кимсанинг ҳаёти, мавжудлиги бўлажак фалокат туфайли маҳв бўлиш, йўқ бўлиш эҳтимоли юзага келган ҳолат. *Ватанимиз хавф остида турган кунлар.. Қорасувга бориб, тўй-томоша қилиб беришга фурсат йўқ эди.* О. Ёқубов, Излайман. *[Абу Юсуф:] Мирзо ҳазратлари, салтанатимиз хавф остида!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *-Йўқ, бугун йўлга чиқасан, – деб қолди кутилмаганда қалпоқчам, – севгилингнинг ҳаёти хавф остида.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ХАВФЛАНМОҚ Бирор нарсадан хавфга тушмоқ, қўрқмоқ, хавотирланмоқ. *[Нури] Вақтнинг тиғизлигидан хавфланиб, дарров ўз дардини очди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юртда катта қўзғолон, отиш-тутиш бўлганини эшитган Унсин акасидан хавфланиб, кечга яқин.. Тахтапулга келган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАВФЛИ Хавф пайдо қиладиган, хатарли, қўрқинчли. *[Ҳорунбек:] Сиз салтанат учун хавфли одам сифатида жўнатиляпсиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У тажрибасига суянган ҳолда бир нарсага амин бўлади: жамият учун жиноятчидан кўра лоқайд одам хавфли!* «Ёшлик». *Бухорога энг яқин йўл шу бўлгани билан, у ғоятда хавфли эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ХАВФНОК [*а.* + *ф.* خوفناک – қўрқинчли, ваҳимали, хавфли, зарарли] *эск. кт.* Қўрқинчли, хатарли. *Хобимда бир хавфнок туш кўрдим, Кимни кўрсам, таъбир сўрайман.* Чустий.

ХАВФСИЗ Хавф туғдирмайдиган; хатарсиз. *Мен сенга айтсам, Уммат, ўғлинг хавфсиз жойда.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАВФСИЗЛИК Хавф-хатарнинг йўқлиги; хавф бўлмаган ҳолат. *Хавфсизликнинг таъминланиши.*

Хавфсизлик техникаси Ишлаб чиқаришдаги жараёнларда вужудга келадиган хавфли омилларнинг олдини олишга доир ташкилий ва техник чора-тадбирлар мажмуи. *Ҳар бир корхонада хавфсизлик техникаси учун маъмурият жавобгар ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

ХАВФСИНМОҚ *айн.* **хавфсирамоқ.** *Малика шоҳдан ҳадик олиб, хавфсиниб юрар эди.* «Баҳром ва Гуландом».

ХАВФСИРАМОҚ Бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бериши эҳтимоллигидан ташвиш-

ланмоқ, чўчимоқ, қўрқмоқ. *Қиз хавфсираб.. мени безори ёки йўлтўсар деб ўйладими, қадамини хиёл тезлатгандек бўлди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Зағчакўз хавфсираб, орқасига қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХАВФСИРАНМОҚ *айн.* **хавфсирамоқ.** *Улар хавфсираниб.. юрадилар.* Ойбек, Навоий.

ХАВФ-ХАТАР [хавф + хатар] Зиён-заҳмат етказадиган таҳликали вазият. [*Қосимбек:] Иншоолло, Самарқандни бу йил забт этсак, хавф-хатарлар бартараф бўлғай.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХАЁЛ [*а.* خيال – ўйлаш, тасаввур қилиш; орзу, ғаройиб истак; арвоҳ] **1** Ўйлаш, фикрлаш жараёни; ўй, фикр. *Ҳар каллада минг хаёл.* Мақол. ▬ *[Ибн Яминнинг] Хаёлида қўрқинчли фикрлар айланарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ёш шоир дўстларимга тинчимас хаёл, илҳом завқлари.. тилайман.* Газетадан.

2 Тасаввур. *Гулнорнинг кўзлари, юзи ёлғиз Йўлчининг хаёлларидагина кулади, жилваланади.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Бобурнинг] Хаста хаёлида бирдан қилич тутган Танбал гавдаланди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Орзу, фантазия. *Истиқболнинг ширин хаёлларига кўмилган ҳолда махдум аср намози учун таҳорат олар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлаганларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Эс, хотира. *Ўшанда бу қиз унинг [Ёдгорнинг] назарида фариштадек жонланган, хаёлида алланечук муқаддас бир из қолдирган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Хаёлим мени узоқ ўтмишга олиб кетади.* Газетадан.

..деган хаёлда *ёки* **..деган хаёл билан** 1) фикран муайян хулосага келиб; шундай деб ўйлаб. *Бир оздан кейин балкон эшиги ғийқиллаб очилиб, ёпилди. У Тамила опами, Зокиржонми, деган хаёлда қайрилиб қарамади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Сидиқжон уни [болани] албатта бир нима чақди, деган хаёлда тура солиб югурди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) бирор мақсадда *У [чол], уйимнинг бузилишини кўрмай, деган хаёлда орқасини ўгиргач.. ўт ёқа бошлади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. **Пуч хаёл** Амалга ошмайдиган, хом хаёл. *Аммо олий мактаб орзуси мен учун ёлғиз пуч хаёл бўлса ҳам, ундан воз кеча олмадим.* Ойбек, Нур қидириб. **Хаёл олиб кетмоқ** (*ёки* **қочмоқ)** *қ.* **хаёлга ботмоқ.** *Саодатхонни яна хаёл олиб кетди.* С. Зуннунова, Янги директор. **Хаёл сурмоқ** Ўйламоқ, фикрламоқ. *Пастаккина айвон ёнида ўрта ёшлардаги бир одам.. хаёл суриб тикка турибди.* С. Зуннунова, Олов. **Хаёл қилмоқ** 1) ўйламоқ. *Мадраса қурилишида бир ишкаллик чиқмадимикин, деб хаёл қилди у [Қавом].* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) орзу қилмоқ. *У [Йўлчи] дам ўйлаб, хафа бўлади, дам анча пул юбориб, онасини севинтиришни хаёл қилади.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) тасаввур қилмоқ. *Рафқон ва Шўрсув даштида душман билан тўқнашувни хаёл қилиб, [Аҳмад мирзо] Рафқон текислигига боргоҳ қурди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Хаёлга ботмоқ** (*ёки* **толмоқ, чўммоқ**) Узоқ вақт чуқур ўйланиш ҳолатида бўлмоқ. *Думалоқ стол ортида бир одам хаёлга чўмиб ўтирибди.* ▬ *Расулжон ҳозиргина ўқиб бўлган хатнинг бир четидан ушлаганича, хаёлга ботган эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *[Авазнинг] Тушидаги ишоралар уни хаёлга толдирган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Хаёлга келмоқ** Эсга, хотирага тушмоқ, хотирада тикланмоқ. *Хаёлига келган ҳамма нарсани Гавҳарга бир-бир айтиб берди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Кўпдан бери хаёлимга келмаган нарсаларни эсимга солиб қўйгани учунми, у билан баҳслашгани сўз тополмай қолдим.* И. Раҳим, Ҳилола. **Хаёл(и)га (ҳам) келтирмаслик** 1) тасаввур қила олмаслик. *..рад жавоби олиш қанчалик оғир эканини сен хаёлингга ҳам келтирмайсан.* Х. Султонов, Онамнинг юрти; 2) бирор нарсани мақсад қилиб қўймаган, у ҳақда ўйлаб кўрмаган. *Мирзакаримбой ерга ўч одам эди. ..Ҳатто ер сотишни хаёлига келтирмаган одамларнинг ерларини.. ўзиникига қўшиш учун ҳеч нимадан тоймас.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) кутмаган, олдиндан билмаган. *Доктор, Ҳамзани бу ерда учратишни хаёлига ҳам келтирмаганди.* К. Яшин, Ҳамза. **Хаёлдан кетмаслик** Бот-бот ёки доимо хаёлда гавдаланмоқ. *Аммо тушлик пайтгача Иблис хаёлимдан нари кетмади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Авазнинг хаёлидан бир-биридан машъум, юракни тилка-пора қилувчи манзаралар кетмай қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Хаёл(и)дан кечмоқ** (*ёки* **ўтмоқ**) Маълум бир муддат бирор нарса

туғрисида ўйламоқ, фикрламоқ. *Шу билан бирга унинг хаёлидан ғалати фикрлар ҳам кечиб турди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳар иккаласи ҳам.. ҳар бир икир-чикирни хаёлидан кечириб.. бирон нарса топишга уринар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Негадир [Чароснинг] хаёлидан «Дилшод айтган» деган фикр лип этиб ўтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Хаёл(и)дан кўтарилмоқ** Эсидан чиқмоқ. *Китобни кутубхонага топшириш хаёлимдан кўтарилибди.* **Хаёли жойида эмас** Руҳан безовта, ўй-фикри тарқоқ. *Болам боёқиш нотинчроқ бўлиб қолди. Хаёли ҳам жойида эмас.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Чодир хаёл** *эск.* Қўғирчоқ театри. **Ҳар хил хаёлга бормоқ** 1) шубҳаланмоқ, ёмон фикрга бормоқ. *[Нигорани] Шу қадар кўргиси келадики!.. Бироқ кеч бўлиб қолди. Уй эгалари ҳар хил хаёлга боришлари мумкин.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) бирор нарсадан ташвишланмоқ; хавотир олмоқ. *[Степан Соколов:] Келдингларми.. Нега шунча қолиб кетдиларингиз, ҳар хил хаёлга бориб, ҳайрон бўлиб тургандим.* К. Яшин, Ҳамза.

ХАЁЛАН [*а.* خيالاً] Хаёлда, фикран тасаввур қилган ҳолда. *Саттор шундагина хаёлан ўзи билан ўзи гаплашаётганини пайқади-ю, ҳорғин кулумсираб, қўл силтади.* Ў. Усмонов, Қисмат. *Баширжон шунча режани бирпасда, хаёлан тузиб чиққач, сангтарош билан қўл ташлашди.* Н. Аминов, Суварак. *Зулфиқор хаёлан Ҳирот кўчаларида чопиб юрарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ХАЁЛИЙ [*а.* خيالى – фантастик; тасаввурдаги, фаразий] **1** Хаёлда тасаввур қилинадиган, афсонавий. *Зубайдахон хаёлий оламдан.. кундалик чин оламга улоқтирилиб, норози кўзларини чақирилмаган меҳмонга тикди.* К. Яшин, Ҳамза. *Гавжум ресторан ранг-баранг чироқлар ёғдусидан хаёлий нурга чулғанган.* Н. Қиличев, Қуюн. *Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек Буюк ва бетимсол менинг Ватаним.* А. Орипов.

2 Ўйлаб чиқарилган, тўқима. *Шу китобни ёзган киши ўзининг китобидаги бир талай хаёлий ва қизиқ ҳикоялар қаторига Абутанбал деган бир ялқов йигитнинг ҳикоясини ҳам тиркаган.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ХАЁЛКАШ [*а. + ф.* خيالكش – кўп хаёл сурувчи] *кт.* Хаёлпараст. *Икки шоир, маъюс хаёлкаш, Ўрталикда олов сиёҳдон.* Р. Парфи.

ХАЁЛЛАНМОҚ Хаёлга берилмоқ; ўйланмоқ. *Бекдавлат хаёлланиб, далага боқди.* «Ёшлик». *Оёғини судраб, яна Боғчадарвоза томон борар экан, «Шоири замон қаерда бўлди экан-а?» деб хаёлланди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХАЁЛОТ [*а.* خيالات – ўйлар, хаёллар] *кт.* **1** Хаёллар, ўйлар; фикрлар. *Темур Малик бўлса хаёлот денгизида жим сузарди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Фирдавсий мисраси кўздан кечаркан, Миямни чулғайди турли хаёлот.* Ғайратий.

2 Тасаввур, фантазия. *Инсоният юксак хаёлот ва тафаккур кучи билан яратган барча маънавий-бадиий бойликлар орасида оғзаки ижод намуналари алоҳида ажралиб туради.* «Фан ва турмуш». *Бу ҳолни шоирнинг бадиий фантазияси ва кенг хаёлот олами бевосита баҳор таровати.. билан уйғунлашган ўринларда кўриш мумкин.* «ЎТА».

ХАЁЛПАРАСТ [*а. + ф.* خيالپرست – хаёл суришни яхши кўрувчи] Кўп хаёл сурувчи. *У жуда камгап, аммо кўп китоб ўқир, ўлгудай хаёлпараст эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Кейинчалик кампир буви неваранинг хаёлпараст, хомуш бўлиб қолганини пайқаб, жаннату дўзахлардан камроқ гапирадиган бўлди..* Мирмуҳсин, Умид.

2 Фантазияга мойил одам. *Мен шу вақтгача олимларни хаёлпараст бўлади, деб юрар эдим.* Ҳ. Зоҳидий, Соғлар ва доғлар. *Мутриб, хаёлпарастсан, иним, дегандек, Авазга таънаомуз разм солди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХАЁЛПАРАСТЛИК 1 Кўп хаёл суриш одати. *Баъзи болалардаги хаёлпарастлик хусусиятлари улар шахмат билан жиддий шуғуллана бошлаган даврларда кескин камайиши тажрибада синалган.* Газетадан.

2 Романтикага, фантазияга берилиш. *Раҳмонқулов қурилиш учун жавобгар. Хаёлпарастлик қилмасдан, амалий иш билан шуғулланиш керак.* А. Мухтор, Туғилиш.

ХАЁЛПАРИШОН *айн.* **паришон хаёл** *қ.* **паришон.** *Нозим хаёлпаришон ўрнидан турди, элан-қаран дафтар-китобини йиғиштириб, секин эшик томон юрди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ХАЁЛПАРИШОНЛИК Хаёли тарқоқлик, ортиқча ўйлашлик. *Вазира дугоналарининг ҳазилларига хаёлпаришонлик билан жилмайиб қўярди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ХАЁЛСИРАМОҚ *с.т.* Хаёл сурмоқ, хаёлга берилмоқ, ўйланмоқ. *Хаёлсираб ўтирмоқ.*

ХАЁЛХОНА *эск. кт.* **1** Мия, бош; фикрлаш. *Натижада эса унинг [ўқувчининг] мушоҳадаси автор хаёлхонасида юз берган ассоциация ва синтезга тушолмай, мутлақо нотўғри ёки бир томонлама хулоса билан тугаши мумкин.* «ЎТА».

2 Тасаввур, хаёл. *Ўз хаёлхонасида планни ортиғи билан бажариб қўядилар.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ХАЁЛЧАН Хаёлга ботган, ўйчан, хаёл сурган ҳолатда. *Шербек шолчанинг бир чеккасида узоқларга тикилганча, хаёлчан ўтирарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *У [чол] тажанг бўлмаган вақтида кўпинча боши ярим қийшайган, хаёлчан, хомуш юрарди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

ХАЁЛЧАНЛИК *қ.* **ўйчанлик.** *Саодатхон теракка суянганича, ҳамон хаёл суриб турар, туннинг гўзаллиги ва сеҳрли товушларини хаёлчанлик билан кузатар ва эшитар эди.* С. Зуннунова, Олов.

ХАЗАНАК [*ф.* خزانک – кузга оид] Кузда йиғиштириб олинган ҳосилнинг қолдиғи (полиз экинлари, олма, узум ва ш.к. ҳақида). *Унда-бунда ҳали кўк палак, Чирик қовун жўяк пастида. Уч-тўрт бола излар хазанак, Тавба, шундай ёмғир остида.* А. Шер, Қадимги куй.

Хазанак қилмоқ Кузда йиғиштириб олинган ҳосил қолдиғини қидириб топиб олмоқ.

ХАЗАРЛАР 4-асрда Шарқий Европада пайдо бўлиб, 10-асрда Дашти Қипчоқдаги туркий бижанакларга сингиб кетган, асосан Шимолий Доғистонда ва Қуйи Волга бўйида ҳаёт кечирган туркий халқ. *Хазар тили. Хазар хоқонлиги.*

ХАЗИНА [*а.* خزينه – қимматбаҳо нарса, бойлик, дафина; маблағ; касса] **1** Бирор шахс, ташкилот ёки давлат ихтиёридаги қимматбаҳо буюмлар; маблағ; бойлик; давлат. *Мирзакаримбойнинг хазинаси Гулнорники.* Ойбек, Танланган асарлар. *Темур Осиёнинг ҳамма қисмидан ҳадсиз-ҳисобсиз хазина йиғди, лекин уларни хасис одамлар каби сақламади.* «Фан ва турмуш».

2 *ҳуқ.* Ер остига кўмилган ёки бошқа усул билан яшириб қўйилган, эгасини аниқлаш қийин бўлган пул ёки қимматбаҳо буюмлар (булар топилса, давлат мулкига ўтади ва уни топган киши тегишли тартибда мукофот олади).

3 Давлат пули, қимматбаҳо нарсалари, умуман, бойлиги сақланадиган жой. *[Ҳусайн:] Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса, юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда бераман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

4 Олтин, кумуш каби қимматбаҳо нарсалар кўмилган, яширилган жой, дафина. *Йўл қувлаган хазинага йўлиқар, Гап қувлаган бир балога йўлиқар.* Мақол. ▬ *Шербек бу нуроний чолнинг кимлигини билиб, хазина топган кишидай суюниб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 Марказлашган давлатларда уларнинг молиявий захиралари мажмуи. *Хазина билетлари.*

6 Ер ёки табиат бойликлари, табиий бойлик. *Ер – хазина, сув – олтин.* Мақол. ▬ *Ўзбекистон ери – кони хазина, Халқи – олим, деҳқон камтар камина.* Ҳабибий. *Ватанимизнинг тупроғи – олтин, тоғу адирлари, чўлу саҳролари – туганмас хазина.* С. Зоҳидов, Тоғлар бош эгмоқда.

7 *кўчма* Маданий ва маънавий бойликлар, дурдона асарлар мажмуи. *Роман [«Сароб»] 20 йил давомида адабиётнинг бебаҳо хазинасидан олиб ташланди.* Газетадан. *Донолар таърифича, китоб – билим манбаи, инсоният тўплаган ҳикматлар хазинаси.* М. Жўра, Ноширнома.

ХАЗИНАБОН [*а* + *ф.* خزينه‌بان – хазинани қўриқловчи, хазиначи] **1** *кт. айн.* **хазиначи 1.** *[Улуғбек:] Саркардаларга айтинг, шаҳар таланмасин! Хазинага кирилмасин, хазинабоннинг ўзи бунда [бу ерга] келсин!* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Табиат бойлигини топиб, уни халқ иродасига бўйсундирувчи киши. *Олмалиқ – бағри бойликларга тўлиқ. Бу бойликнинг хазинабони ва фармонбардори оддий, содда кишиларимиздир.* Газетадан.

ХАЗИНАДОР [*а.* + *ф.* خزينه‌دار – хазинага эга, хазиначи] *айн.* **хазиначи.** *Мулла Обиднинг хазинадори сифатида ақчани ўзи ушлаб, рўзғор керак-яроқларини ҳам ўзи тўғрилаб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Сарой вазири ҳам.. хазинадор ҳам сизга хайрихоҳ одамлар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ХАЗИНАХОНА [хазина + хона] *айн.* **хазина 3.** *Ҳамма ернинг эшиги очиқ, хазинахоналар ҳам очиқ, ичидаги яхши олмос ханжарлар йўқ.* «Маликаи айёр».

ХАЗИНАЧИ 1 *тар.* Ҳукмдор ва бошлиқларнинг хазинасини ва б. моддий бойликларини сақловчи, бошқарувчи шахс; хазина бошлиғи. *Хазиначилар сипоҳлар орқасидан икки отни етаклашиб, ҳудайчи ёнига етдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қорахонийлар давлатида хазиначи масъулиятли лавозимлардан бири саналиб, «ағичи» атамаси билан ифодаланган.* «ЎзМЭ».

2 Корхона ва ташкилотларда пул сақловчи ва тарқатувчи кассир.

ХАЗИНАЧИЛИК *эск.* Хазиначи мансаби (*қ.* **хазиначи 2**). *Орадан бир йилча ўтар-ўтмас, у нашриёт хазиначилиги — кассирлигига кўтарилди.* М. Назаров, Хазиначи.

ХАЗОН 1 [*ф.* خزان — куз; барг тўкилиши] **1** Кузда сарғайиб тўкиладиган барглар. *Йўл бўйидаги дов-дарахтлар остида хазонлар тўкилиб ётибди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Енгил шамол ўтди, хазон тўкилди.* «Ёшлик».

Хазон бўлгур! *қарғ.* Қуриб кетгур, ўлгур. *[Ҳожи она:] Бор, юз-қўлингни ювиб чиқ, хазон бўлгур!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Хазон бўлмоқ** 1) сарғайиб, қуриб қолмоқ. *Бу гул субҳ шабнамини ҳам кўрмай хазон бўлди.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб; 2) *кўчма* азоб-уқубатда мажруҳ бўлиб қолмоқ, адо бўлмоқ, маҳв бўлмоқ. *Гул эдим, хазон бўлдим, найлайин, Адо бўлмас дардга қолдим, найлайин.* «Маликаи айёр»; 3) бевақт оламдан ўтмоқ; йўқ бўлмоқ. *[Азизхон] Яша, полвон бола.. деб олқишлаганларга қарамас, ниятига етмай хазон бўлган Лутфинисани ўйлар эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бевақт хазон бўлмай ҳар ким Яшаб ўтсин дунёда.* А. Орипов. *Назира.. юзага чиқмай хазон бўлган севги аламидан хўрлиги келиб, тақдирни қарғарди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Хазон қилмоқ 1)** қуритмоқ, сўлитмоқ; 2) *кўчма* маҳв этмоқ, йўқ қилмоқ; қирмоқ. *Қир томондан ногаҳонда бўри ёки қоплон чиқиб, бир талай қўй-қўзини хазон қилиб кетганини билиб қоласан.* Й. Муқимов, Қизилқум паҳлавони. *Ўйнаб юрган бачаларин Ҳаммасин хазон қилинг.* «Гулнорпари».

2 Зардўзликда ишлатиладиган безак тури: сўлиган барг тасвири.

ХАЗОНМАРГ [*ф.* خزان‌مرگ — хазондай ўлиш] *кам қўлл. айн.* **жувонмарг.** *[Ҳожар Тўлахонга:] Хазонмарг бўлгур, нима бало бўлган сенга, айтмайсанми?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ХАЗОНРЕЗ [*ф.* خزان‌ریز — хазон тўкувчи] Барг ва хазонларни тўкувчи. *Хазонрез куз. Тун кўркам, дилбар, Намхуш ҳаво, Ой, юлдуз, сабо.* «Ёшлик». *Сарғиш барг билан қопланган дарахтлар ўзидан-ўзи шитирлаб, тиниқ ҳовуз бети жимирлаб, узоқлардан кезган хазонрез шамолдан дарак бериб туради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ХАЗОНРЕЗГИ [*ф.* خزان‌ریزگی — хазон тўкилиш даври; кеч куз] *айн.* **хазонрезгилик.** *..чўққи ортига юмалаган қуёш қурий бошлаган кимсасиз боғларни хазонрезги палласидагидек сарғайтириб юборди.* А. Мухтор, Чинор.

ХАЗОНРЕЗГИЛИК Барг, хазон тўкиладиган давр, кеч куз. *Хазонрезгилик бошлангани учун япроқлар сарғайиб, ерга чирт-чирт тўкилмоқда.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Боғ-роғлар, далаларда ўт-гиёҳлар, майса, япроқлар сарғайиб, хазонрезгилик бошланди.* Газетадан.

ХАЗОНРЕЗЛИК *айн.* **хазонрезгилик.** *-Бўлмаса, ҳозир хазонрезликда бир-икки қоп хазон тўплаб ол, — деб маслаҳат берди афанди.* «Латифалар».

ХАЗОНЧИНАК [*ф.* خزان‌چینک — хазон, барг тўплаш] *шв.* Хазанак. *Ниҳоят, олма хазончинак бўлди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

Хазончинак пахта Ғўзапоянинг у ер-бу ерида қолиб кетган, ерга тўкилган ҳосилдан йиғиб-териб олинган пахта. **Хазончинак қилмоқ** *айн.* **хазанак қилмоқ** *қ.* **хазанак.**

ХАЙ *с.т. айн.* **хайр** I **3**. *-Хай, ишқилиб, охири бахайр бўлсин, — деди Махсум.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХАЙИТҚОРА Кечпишар тарвуз нави. *Ҳайитқора Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади.* «ЎзМЭ».

ХАЙЛ [*а.* خیل — уюр, пода; отлиқлар; отлиқ аскар] *кт.* Гуруҳ, тоифа. *Лола тердик даста-даста, Кеч билан қайтдик шаҳар, Йўлда бир-бир тарқатиб Эркин муҳаббат хайлига.* Э. Воҳидов.

ХАЙР I [*а.* خیر — яхши, эзгу, соз; эзгулик, яхшилик] **1** Тиланчига, бева-бечораларга бериладиган садақа, эҳсон. *Афанди баланд айлана зинадан пастга тушгандан сўнг, хайр сўраётган гадойни кўрди.* Газетадан.

Хайр қилмоқ Муҳтож одамга садақа бермоқ *Хайр қилсанг, бутун қил.* Мақол. ▬ *Кампир хайр қилайин деса, бир қисим ғалласи ҳам, бир парча нони ҳам йўқ эди.* «Гулшанбоғ».

2 Бировга қилинадиган холис ёрдам, яхшилик; саховат. *Сафар хайрсиз бўлмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Худо хайрингизни берсин Мақсадингизга етинг, муродингиз ҳосил бўлсин. [*Ғофир:*] *Дуо қиламан, худо хайрингизни берсин! Болачақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг, Ҳасан ака!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 *мод. с.* Яхши, майли, хўп; нима бўлса бўлди. *Хайр, биздан кетса-кетсин, даргоҳида қабул бўлса, бас!* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Хайр десанг, ҳозир наъра тортаман, Бадбахтларни бугун қирғин этаман.* «Маликаи айёр».

ХАЙР II [*а.* خیر – эзгулик, яхшилик] *унд.с.* Хайрлашганда, видолашганда айтиладиган сўз. *-Хайр, соғ бўлинг, – деди Саодат Лолахонни эшиккача узатиб.* С. Зуннунова, Олов. *Хайр энди.. Қалбимда бир видо қолди. Хайр энди.. Сен кетдинг, бегуноҳ оҳу.* А. Орипов.

ХАЙРИХОҲ [*а.* + *ф.* خیرخواه – эзгулик, яхшилик истовчи] Яхшилик тилайдиган, қўллаб-қувватлайдиган; илтифотли, тарафдор. [*Қози:*] *Мендан сира кўнглингизга шубҳа келтирманг. Нимага десангиз, холис хайрихоҳман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Онахон тикка турар, ўтирганларнинг ҳаммаси ўзига хайрихоҳ эканини сезгандай бўлар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ХАЙРИХОҲЛИК Яхшилик тилаш, қўллаб-қувватлашлик. *Ахир муҳаббат ҳам, ахир дўстлик ҳам Бошланган эмасми хайрихоҳликдан?* А. Орипов. *Тиллабувадан кейин сўзга чиққанларнинг.. яна бири ҳукумат деҳқонни яхши йўлга бошлайди, деган қаттиқ ишонч билан колхозга хайрихоҳлик кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ХАЙРИХОҲОНА [*а.* + *ф.* خیرخواهانه – хайрихоҳларча, самимий] Хайрихоҳлик билан қилинадиган, қўллаб-қувватлайдиган. *Васвасаланишнинг ўрни йўқ, ундан сўнг ҳам сизнинг хайрихоҳона кенгашларингизга.. муҳтожман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Таъна, дашном, танқид ва бошқа минг турли дўстона, хайрихоҳона товушларга таҳсин аралашса, қулоққа фақат таҳсингина киради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ХАЙРИЯ [*а.* خیریّه – хайр-саховат, эҳсон, муҳтожларга ёрдам]: **хайрия жамияти** Моддий ёрдам уюштирувчи жамият. *Кейинги вақтларда бир қанча хайрия жамиятлари фаолият кўрсатмоқда.* Газетадан.

ХАЙРИЯТ [*а.* خیریّت – яхшилик, эзгулик, хайрли иш] *мод. с.* Гап бошида, ўртасида ёки охирида келиб, ундан англашилган мазмунга нисбатан мамнунликни ифодаловчи сўз. *Хайрият, бир шамол бўлди-ю, булутни ҳайдаб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бобур кўзини очганини сезиб, Қосимбек унинг тепасига келди: -Хайрият-е!.. Амирзодам, бизни мунча қўрқитдингиз?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХАЙРИЯТКИ *мод.с. айн.* **хайрият.** *Тўсатдан шиша қўлидан тушиб кетди. Хайриятки, синмади.* «Ёшлик». *Хайриятки, машинамиз узоқ турмай юрди.* «Шарқ юлдузи».

ХАЙРИЯТЛИК Хайрли иш, яхшилик, эзгулик. *Мана, жаноблар, юмшоқликдан хайриятлик чиқмайди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ХАЙРЛАШМОҚ Ўзаро яхши истаклар тилашиб ажралишмоқ; видолашмоқ; тарк этмоқ *Муяссар хоним арчалар қуршовидаги йўлак бошига қадар келди, сўнг яна бир бор қўл бериб хайрлашди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Ана шундан кейин Тоға Азизхонни бағрига босиб хайрлашди-да, зирилламаликлар келган автобусга чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қопни қўлтиқлаб, ўн беш йиллик таниш қўрғон.. билангина эмас, шу куннинг ўзида туғилган қишлоқ билан ҳам хайрлашди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Ниҳоят, оладиганим қолмагач, қирқ олти кунлик ётоғим билан унсиз хайрлашдим-у, эшикка чиқдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Бу дунё билан хайрлашмоқ Вафот этмоқ, ўлмоқ. *Агар йўқ десанг ё сотиб қўйсанг, бу дунё билан хайрлашавер.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАЙРЛАШУВ 1 Хайрлашмоқ фл. ҳар. н. *Хайрлашув вақти келди.*

2 Бирон жойга, сафарга кетиш, кузатиш муносабати билан уюштириладиган тадбир. *Талъат синфдош дўстларини йиғиб, уйда зиёфат қилмоқчи эди, дадаси бир сўзда туриб олди: -Мактабда хайрлашув кечаси бўлдими, тамом! Зиёфат бўлса.. кейин қиласан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХАЙРЛИ Яхши, ижобий; хосиятли. *Хайрли ишнинг кечи йўқ.* Мақол. ▬ *Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли(к), дейдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен бир хайрли иш қилгандек, ўзимни олийжаноб ҳис этдим..* А.

Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Шу кеча у бир хайрли туш кўрди.* «Шарқ юлдузи».

ХАЙР-МАЪЗУР [хайр + маъзур] Яхши тилаклар билан хайрлашиш. *-Хайр-маъзур эртага бўлади, ўртоқлар. Ҳали сизлар билан кўп отамлашамиз, — деди Эломонов.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

Хайр-маъзур қилмоқ Хайрлашмоқ. *Овқатдан кейин Шукуров отадан рухсат сўраб, хайр-маъзур қилди.* О. Ёқубов, Диёнат. **Хайр-маъзурни насия қилмоқ** Хайрлашмай кетиб қолмоқ. *-Ҳа, қочоқ! — деди у кулиб, — Хайр-маъзурни насия қилиб қочибсан-а!* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ХАЙР-САДАҚА [хайр + садақа] Хайр ва садақалар, садақа, эҳсон. *Хайр-садақани ўз оилангиздан бошланг.* «Фан ва турмуш».

ХАЙР-ХЎШ *айн.* **хайр-маъзур.** *Хайр-хўш овозлари тинч кўча осмонига кўтарилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХАЙР-ХЎШЛАШМОҚ *айн.* **хайрлашмоқ.** *Бирдан соатига қараб Азизов, Ярим тун деганда хайр-хўшлашди.* А. Мухтор.

ХАЙРЧИ 1 *с.т.* Хайр-садақа сўровчи; тиланчи, гадой. *Бир хайрчининг боласини боқиб олган эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *эск.* Жамоат эҳтиёжи учун хайр-эҳсон тарзида маблағ йиғувчи.

ХАЙР-ЭҲСОН [хайр + эҳсон] *айн.* **хайр-садақа.** *Бошга тушган мусибатларни, ўзидаги касалликларни ва қилган хайр-эҳсонини яшириш яхшилик хазиналаридандир.* «Фан ва турмуш».

ХАКАС Хакас халқига мансуб бўлган шахс. *Хакас аёл.*

ХАКАСЛАР Асосан Россия Федерациясининг Хакасия Республикасида, Красноярск ўлкаси ва Тува Республикасининг унга қўшни туманларида яшовчи, хакас тилида сўзлашувчи туркий халқ. *Хакас халқининг бой оғзаки ижодиёти — эртак, ривоят, афсона, қўшиқлари бор.* «ЎзМЭ».

ХАКЕР 1 [*ингл.* hacker < hack — бузмоқ; кесмоқ, қирқмоқ] **1** Компьютер дастурларини яратишга ўта ишқибоз бўлган киши.

2 Компьютер дастурлари ва қоидаларини бузувчи — ҳуқуқи бўлмагани ҳолда компьютер дастурларига ўзгартиришлар киритадиган шахс; юқори малакали программист.

3 Банк, тижорат, давлат, ҳарбий ва б. ташкилотлардаги ахборотларнинг ҳимоя воситаларини йўқотиб, ўта қимматли маълумотларни қўлга киритиш, ўзга ҳисобрақамлардаги пулни ўзлаштириш, компьютерларга вирус юқтириш каби ишларни амалга оширишга уринувчи шахс. *Сўнгги йилларда одатдаги хакерлар билан бир қаторда кибернетик террорчиларнинг хуружлари ҳам қайд этиляпти.* Газетадан.

ХАКИ [*ф.* خاکی ёки *ҳинд.* khaki — лой, ер ранги] **1** Жигарранг-яшилга мойил (ҳимоявий] ранг.

2 Шу рангдаги мато, газлама (асосан ҳарбийлар учун, шунингдек, сайёҳлар, геологлар, овчилар ва турли амалий соҳа ходимлари учун кийим тикишда ишлатилади).

ХАЛА I [*ф.* خله — ички дард, касаллик] Санчиқ, қаттиқ оғриқ.

Хала бўлмоқ Санчиб оғримоқ. *Одатда аспиринни турли кўринишдаги оғриқларда: бош оғриғи, тиш оғриғи,.. хала бўлганда ичишга одатланганмиз.* Газетадан.

ХАЛА II [*ф.* خله — ҳайвонларни ниқтаб юргизиш учун ишлатиладиган учли таёқча] *айн.* **халачўп.**

Хала босмоқ (*ёки* **урмоқ)** *айн.* **хала қилмоқ 2.** *Кейин эгарга ўтирдим-у, «чу, жонивор», дея эшакка хала босдим.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Бозордан қайтаётган бир чол эшагига хала уриб, етиб келди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Хала қилмоқ** 1) халачўп ясамоқ. *Ўтган-кетган йўловчи тўғри келган ниҳолни синдириб, эшагига хала қилади.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда; 2) тезроқ юргизиш учун халачўп ёки оёқ билан ниқтамоқ. *Қўзибой эшакни хала қилавериб, оёғи чарчагани.. учун пастга тушиб олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ХАЛАКАШ [*ф.* خله‌کش — хала (билан) тортувчи] Доимо хала, ниқташ билан юрадиган (эшак, от ҳақида). *-Ишрат девона деган девона бор эди. Бир чувури бор эди — халакаш. Хала қилса, дингиллар эди.* «Равшан».

ХАЛАЛ [*а.* خلل — бузилиш, ишдан чиқиш; шикаст; зиён, нуқсон, камчилик]: **халал бермоқ** Муайян иш-ҳаракатни амалга оширишга монелик қилмоқ; халақит бермоқ. *Биринчи соатдаги дарсда Асрор ўз майлига, ўз хаёлларига банди бўлиб турарди. Унга ҳеч ким халал бермади.* «Ёшлик». **Халал етмоқ** Зарар етмоқ. *Аммо таснифотимдаги имло-иншоларимга бир андаккина халал етганлигини кўрдим..* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бу ишларни қишлоқ хўжалик ишларига*

заррача бўлса ҳам халал етказмай бажаришимиз керак. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ХАЛАТ [*а.* خلعت – совға, инъом қилинган кийим; мукофот] **1** *с.т.* Ўзи ҳам, енги ҳам узун ва кенг бўлган, тугма ўрнига белбоғ қўлланадиган устки кийим (асосан хотин-қизлар, баъзан эркаклар ҳам кияди). *Қизил халат кийган қиз.*

2 Шундай ёки шунга ўхшаш бичимдаги махсус (тиббиёт, савдо, кимё ва айрим техника соҳалари ходимлари киядиган) уст кийим. *Оқ халат кийган доктор қиз энгашиб, беморни қараяпти.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ХАЛАТЛИ Халат кийган, халати бор. *Оқ халатли киши эса гапни давом қилди..* «Ёшлик». *Дарвозахонада қора қути кўтарган оқ халатли врачларга дуч келди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ХАЛАФ [*а.* خلف – ворис, давомчи; ўринбосар; анча кейинги авлод] *эск. кт. айн.* **ворис, ўринбосар**. *Муқимий халафлари.*

ХАЛАЧЎП [*ф.* خله‌چوب] Эшак, туя каби ҳайвонларни ниқтаб, тезроқ юргизиш учун ишлатиладиган учли таёқча; хала. *Оқсоқол шундай деди-ю, эшакка халачўп ниқтади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Мустафо эшагига халачўп босди: -Хих, жонивор, хих!* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ХАЛАҚИТ [*а.* حلقت < حلق – ўраб олмоқ; йўлни тўсмоқ]**: халақит бермоқ** Бирор иш-ҳаракатга монелик кўрсатмоқ. *Толибжон унга халақит бермаслик учун оёқ учида юриб, ичкари хонага кириб кетди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Совун ҳидли нам чойшаб баданига нохуш ботдимми ёки оёғи учида ўтирган йигитча халақит бердими – Нусратбек ғингшиб, бу ёнига ағдарилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ХАЛИЛИ(Й) *бот.* Узумнинг Марказий Осиёда етиштириладиган эртапишар нави. *Ишкомдаги шиғил-шиғил халили узум шингиллари қўнғирланиб кўринарди.* «Ёшлик». *Қора ёки қизил халилий Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистонда тарқалган.* «ЎзМЭ».

ХАЛИЛУЛЛОҲ [*а.* خليل‌الله – Оллоҳнинг дўсти] [Х – *катта*] *дин.* Иброҳим пайғамбарнинг лақаби. *Бу сўзни эшитиб шундай қаландар, Халилуллоҳ, деди, Оллоҳу акбар.* «Маликаи айёр».

ХАЛИФА [*а.* خليفه – ўринбосар; ноиб] **1** *тар.* Мусулмонлар жамоаси ва мусулмон давлатининг диний, айни бир пайтда дунёвий бошлиғи; руҳоний ҳукмдор; Муҳаммад пайғамбарнинг вориси, Аллоҳнинг ердаги ноиби ҳисобланган. *Лекин [Тангриқул ҳожи] халқ орасида: «Халифаи Рум Бухорога келди, Эргаш қўрбоши бориб, мусулмонобод йўлида ғазот қилгани халифадан фотиҳа ва юз минг сарбоз олиб келди», деб гап тарқатибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Абдишукур давом этди сўзида: -Бутун олами исломнинг халифаси Султон ҳазратлари бу урушда танҳо қолдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бухоро хонлигида: шариат ақидаларининг бажарилишини текшириб турувчи мансабдор шахс. *Абдураҳмон сардор кейинги чойнакни бўшатгандан кейин, қайтмоқчи бўлиб, халифадан фотиҳа сўради.* С. Айний, Қуллар.

ХАЛИФАЛИК 1 Ислом динининг суннийлик мазҳабида ҳокимиятни идора этиш тартиби. *Халифаликнинг асосчиси Муҳаммад пайғамбарнинг яқин сафдоши халифа Абубакр (632-634) дир.* Б. Аҳмедов, Тарихдан сабоқлар.

2 7-8-асрларда араб истилолари натижасида Арабистон яриморолн, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган давлат. *Араб халифалиги. Бағдод халифалиги.* ▬ *Араб халифалиги VIII асрнинг охирларидан бошлаб майда-майда қисмларга ажралиб кета бошлади.* Б. Аҳмедов, Тарихдан сабоқлар. *Шундай қилиб, Аббосийлар халифалиги мўғуллар томонидан йўқ қилинди.* «ЎзМЭ».

3 Халифанинг мансаби ва унвони. *Абу Бакр Сиддиқнинг халифалик даври.*

ХАЛЛОҚ [*а.* خلّاق – яратувчи, ижодкор] Аллоҳнинг сифатларидан бири; яратувчи. *Халлоқ ўзига мақбул мўминга лозим кўради тахтни.* Т. Малик, Қалдирғоч.

Халлоқи олам Оламни яратган, оллоҳ, худо *..лекин ундан [Бобурдан] қайси бир гуноҳи азим содир бўлдики, халлоқи олам уни бунчалар қаҳрига олмаса?!* Х. Султонов, Бобурийнома.

ХАЛО [*а.* خلاء – бўшлиқ, бўш, очиқ жой] *с.т.* Ҳожатхона. *Бозор аминнинг капаси олдида ўн олти-ўн етти яшар бир бола қўлида обдаста билан, унинг халодан қайтишини кутиб турмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

ХАЛОЖОЙ [*а.+ф.* خلاجای – бўш, эгалланмаган жой] *с.т.* Ҳожатхона.

ХАЛОЙИҚ [*а.* خلائق – Оллоҳ яратган махлуқлар, одамлар] Одамлар, халқ. *Сағанага тупроқ тортилгач, бир мўйсафид ўрнидан туриб, оломондан сўради: -Марҳум қандоқ эди, халойиқ? Ҳар тарафдан бўғиқ овозлар келди: -Яхши эди раҳматлик.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Кимики бўлса инсон, бўлса одам, Халойиқнинг ғамин ейдур дамо-дам.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХАЛОС [*а.* خلاص – қутулиш, озод бўлиш; илож, нажот]: **халос бўлмоқ** Қутулмоқ. *Исфандиёр бош вазирдан халос бўлиш ҳаракатини илгарироқ бошлаган эди.* С. Сиёев, Аваз. **Халос қилмоқ (***ёки* **этмоқ)** 1) озод қилмоқ, қутқармоқ. *Халос қилиб муродимга етказган, Меҳрибоним, жоним болам, хуш энди.* «Маликаи айёр». *Эй худойим, золимларга хор қилма.. Бандиликдан, раҳм қилиб, халос эт.* «Тоҳир ва Зуҳра»; 2) *кам қўлл.* айирмоқ, жудо қилмоқ. *-Бизга хунук хабар келтирган бу жувонмаргларнинг хом каллаларини таналаридан халос қил! – деди Мардонбек Шерматга.* С. Азимов, Биринчи фасл.

ХАЛОСКОР [*а.* + *ф.* خلاصکار – халос қилувчи] Халос этувчи, озод қилувчи, қутқарувчи. *Юрт бошига иш тушганда, халоскорларнинг олдинги сафида бўлганимдан фахрланаман.* «Ёшлик».

ХАЛОСКОРЛИК Халоскор эканлик; халоскор иши; халос қилиш. *Не-не бекларнинг қўлидан келмаган халоскорлик сендек бечораҳол йигитнинг қўлидан келгани ажойиб бўлди-да!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХАЛОХОНА [*а.* + *ф.* خلاخانه – бўш, холи жой, хона] *айн.* **ҳожатхона.**

ХАЛТА 1 Кичкина қоп, қопчиқ. *Болалар ёпишавергач,* [*кампир*] *халтани очишга мажбур бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аламазон халтани шолчага қўйиши биланоқ, қизча унга талпиниб, қўлини чўзди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

2 Озиш туфайли одам ёки ҳайвон баданида, кўпинча юзида салқиб, осилиб қолган тери. *-Кўнгил ўлсин, илойим. Жағида жағ қолмай, лунжи халта бўп кетса ҳам, йигитман дейди, – деди кампир* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Бузоқча.. сигирнинг халта бўлиб қолган елинини туртиб-туртиб, шиддат билан эма кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 *зоол.* Баъзи ҳайвонларнинг қорни остида бўладиган, ёш боласини солиб кўтариб юришга мосланган халтасимон тери қатлами. *Халталиларнинг урғочиси туғилган боласини анча вақт қорнидаги халтасида олиб юради.* «Зоология».

4 Кийимнинг осилиб, салқи бўлиб турган жойи. *Қурбон ака яна Мамажонга ўгирилди: нимпар кўк кителининг этакларини қорни туртиб турибди, ёқа тугмалари очиқ. Шимининг тиззалари халта бўлиб турибди.* С. Нуров, Нарвон.

Халта кўйлак Ёқаси кўндаланг очилган, елкадан боғичлаб қўйиладиган, одатда муллалар киядиган кўйлак. *Мамат, халта кўйлак этагидан тиззаларини зўрға чиқариб, ўрнидан турди.* «Ёшлик». **Халта палов** *қ.* **палов.**

ХАЛТА-ХУЛТА Ҳар хил халталар. [*Салимбойвачча*] *Атторлик растасида энг қоронғи, энг кичкина бир дўконда минглараа халта-хулталардаги шубҳали дори-дармон ва ҳар нав заҳар-заққум орасида ўтирган.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўрга йиғилган халта-хулталарнинг сояси чойшабда пайдо бўлди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ХАЛТАЧА 1 Кичик халта. [*Тошкентлик мардикор*] *Иштонининг липпасига қистирилган кир бўз халтачани – ҳамённи олиб, танга, чақа аралаш бир сўмни санаб тўкди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **халта 2**. *Чолнинг ранглари сарғайиб, кўзларининг остида халтача пайдо бўлган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ХАЛТУРА [*р.* халтура – марҳумни хотирлаш; дафн маросими < *лот.* chartularium – арвоҳларга дуо қилинаётганда, руҳоний ўқийдиган хотирлаш рўйхати] Тартибсиз равишда, юзаки қилинадиган хом иш. *Мана, кўрдингизми, адабиётимиз ичида ҳам конфликт бор: маҳорату талант ва халтура тўқнашуви келиб чиқади.* «ЎТА».

ХАЛТУРАЧИ Тартибсиз равишда, юзаки, хом иш қилувчи киши. *Халтурачиларнинг ўзларини яширадиган баҳоналар топишига имкон қолмади.* «ЎТА».

ХАЛТУРАЧИЛИК Одат даражасига айланган, кенг тарқалган халтура. *Шаклбозлик – халтурачиликнинг бошқача кўриниши.* Газетадан.

ХАЛФА [*а.* خلفه – бир-бирининг ортидан бориш, эргашиш; ўрин алмашиш] *эск.*

1 Шариат қоидаларини яхши биладиган, ўқимишли одам. *Турдибой халфа ўз ҳовлисида иш бошлаган ўқитувчига катта ҳурмат билан қараганини ишора қилиб, у билан эгилиброқ кўришди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Эски мактабда ўқувчиларга бошлиқ қилиб тайинланган, мактабдор домлага кўмаклашадиган ўқувчи. *Аваз бир вақтлар мана шу мадрасада таҳсил кўрган; ҳамҳужралари то ҳануз бу ерда халфами, мутаваллига ёрдамчими бўлиб юришарди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Ўрта асрлар устахоналарида ҳунар ўрганувчи шогирд; ҳунар-касб ўрганувчи шогирдлар бошлиғи. *Унга, ўн беш ёшидан бошлаб, аввал шогирд, кейин халфа, сўнг мустақил уста сифатида то шу дамгача эрта-кеч букчайиб ишлашга тўғри келгани учун, унинг елкаси букур каби, ортиқча туртиб чиққан эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Халфа тушмоқ Халфа бўлиб ишламоқ (*қ.* **халта 3**). *Отам маҳалладаги бойга халфа тушиб, бўз, алак, беқасам тўқий бошлади.* Ё. Шукуров, Қасос.

4 *фольк.* Хоразм воҳасида маҳаллий оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи аёл. *Халфалар репертуаридан асосан «Тўй муборак», «Ёр-ёр», «Ошиқ» туркумидаги.. достонлардан парчалар, Маҳтумқули ва бошқа шоирларнинг шеърлари асосидаги насиҳат ва рақсбоп қўшиқлар ўрин олган.* «ЎзМЭ».

ХАЛҚ [*а.* خلق – яратиш, ижод қилиш; яратилган жонзот ва одамлар] **1** Одамлар. *Халққа хизмат – олий ҳиммат.* Мақол. ▬ *Тўйингизга йиғилибди бутун эл, Халқ келмоқда тўйга оқиб гўё сел.* Ҳ. Олимжон. *Бу хушовоз хонанда, йигирма йилдан ошдики, халқнинг назаридан қолмай.. дилларимизни яйратиб келмоқда.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Тарихий бирликнинг турли шакллари; қабила, элат, миллат. *Ўзбек халқи Навоий, Бобур, Лутфий каби буюк донишманд шоирларнинг асарларини ўқиган.* Шукрулло, Сайланма. *Туркий халқлар йилларни 12 мучалдан ташқари, 60 йиллик даврлар билан ҳам ҳисоблашган.* «Фан ва турмуш».

3 Муайян жой аҳолиси. *Ўзбекистон халқи. Қишлоқ халқи. Шаҳар халқи.* ▬ *Филиппин оролларида яшовчи халқларнинг энг севимли ноёб таоми митти балиқлардир.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

4 Бирор жойга тўпланган одамлар; халойиқ, оломон. *Товушга қўйишда халқ бир оғиздан қўл кўтаради, орқасидан бир неча дақиқагача олқиш давом этади.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

5 Касб, машғулот, тоифа ёки жинсни билдирувчи сўзлар билан келиб, ўша касб, машғулот, тоифа ёки жинсга мансуб кишилар гуруҳини билдиради. *Шоир халқи.* ▬ *Полвон халқи енгилган рақибини белидан олиб, кўтариб қўяди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Аёл халқи уйдан қуруқ кетмайди, Нима лозим меҳмонларга, тақсиржон.* «Гулнорпари».

6 Умум (аҳоли, одамлар) га алоқадорликни, умум томонидан эътироф этилганликни ифодаловчи сўз сифатида баъзи муассасалар, лавозим ва унвонлар номлари таркибида қўлланади. *Халқ маорифи. Халқ таълими. Халқ суди. Халқ депутати. Ўзбекистон халқ шоири. Ўзбекистон халқ артисти.*

Ерли халқ Муайян жойнинг туб аҳолиси, маҳаллий халқ. *Чор ҳукумати, ерли халқ ўз эркини ҳимоя қилиб чиққанда, уларни оттирди..* Б. Аҳмедов, Тарихдан сабоқлар. **Халқ ижоди** Халқ томонидан бунёд этилган санъатга оид ҳамда адабий асарлар. *Халқ ижоди ҳар қандай ёзувчи учун катта мактабдир.*

ХАЛҚАРО 1 Халқлар ёки мамлакатлар ўртасидаги муносабатга доир. *Халқаро ташкилотлар. Халқаро аҳвол. Халқаро ҳуқуқ.* ▬ *Ажиниёз оға жуда сиёсатчи чиқди: нуқул халқаро аҳволни суриштиради.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Халқларга оид, тааллуқли. *Халқаро хотин-қизлар байрами.* ▬ *Халқаро Тошкент кинофестивали иштирокчилари сафи йил сайин ортиб боряпти.* «Саодат».

Халқаро тиллар Турли давлатлар халқларининг алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган тиллар. **Халқаро ҳуқуқ** Халқаро мулоқотдаги давлатлар орасидаги ва бошқа субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган оммавий ҳуқуқий тамойиллар ва меъёрлар мажмуи.

ХАЛҚОБ [*ф.* حلقاب – ҳалқа-ҳалқа бўлиб тўпланиб қолган сув] Чуқур жойларда туриб, йиғилиб қолган сув. *Халқоб сув.* ▬ *Ҳаво сархуш. Халқоблар кўкимтир кўринар, биринчи совуқдан оёқ остида юпқа муз қирсил-*

лар эди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ХАЛҚОНА [*а.* + *ф.* خلقانه – халққа хос ва мос] Кўпчиликка, халққа хос; оддий кишилар, халқ ишлатадиган. *Халқона иборалар.* ▬ *Биз.. уни [Ғафур Ғуломни] оддийгина қилиб, Ғафур ака, деб атай олишимиз билан фахрланамиз. Бу халқона, самимий яқинлик сўзи.. ҳамон оғзимиздан тушмайди.* А. Мухтор, Бебаҳо хазинамиз.

ХАЛҚПАРВАР [*а.* + *ф.* خلقپرور – халқни тарбияловчи, севувчи] Халққа ғамхўрлик қиладиган, халқ манфаатини кўзлайдиган; халқни севадиган. *Чаман-ку! Барака топкур, бахтинг очилгур бу қиз кўп халқпарвар чиқди-да.* У. Исмоилов, Сайланма.

ХАЛҚПАРВАРЛИК Халққа ғамхўрлик қилиш.

ХАЛҚЧИЛ Халқ билан чамбарчас боғланган, халқ руҳи, маданияти ва дунёқарашига мос келадиган. *Халқчил адабиёт.* ▬ *Дорбозлик чинакам халқчил санъатдир.* Ш. Ғуломов, Дорбоз. *Ҳамид яратган поэзиядаги жўшқинлик.. ҳаммабоп ва халқчил эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ХАЛҚЧИЛИК Бирор халққа доир хусусият, хислат, фазилатлар мажмуи. *Халқчилик ғоялари.*

ХАЛҚЧИЛЛИК Халқ руҳиятига яқин бўлишлик. *Ёзувчи асарларининг халқчиллиги.*

ХАМ [*ф.* خم – эгилган, букилган; эгри; эгик, букик; қат, бурма] Пастга эгилган, қуйи солинган. *Мевали дарахтнинг боши хам.* Мақол. ▬ *Қиз бошини хам қилиб, беморлар халатида унинг ортидан юрди.* «Ёшлик».

Боши (*ёки* калласи, бўйни, гардани) хам Хижолатдан, уятдан боши қуйи солинган. *[Эшон:] Нимаси бор, арзимаган иш деб бошимни хам қилманг.* С. Аҳмад. Ҳукм.

ХАМАК [*ф.* خامک – хом нарса (қовун)] Ҳали пишиб етилмаган, хом қовун; сапча. *Бундай кезларда хазанак бўлган полиздан топилган хамак ҳам, пайкал кесагида ёриб ейдиган туйнак ҳам ширин бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ХАМЕЛЕОН [*лот.* chamaeleon < *юн.* chamaileon] **1** *айн.* **буқаламун.** *Кўпчилик хамелеонлар ўпкасида халтасимон ўсиқлари бўлади.* «ЎзМЭ».

2 *кўчма с.т.* Ўз манфаати йўлида ҳар қандай шароитга тез мослашадиган одам. *Хамелеон одам.*

ХАМИР [*а.* خمير – хамиртуруш солинган нон] **1** Одатда унни сув, ёғ, тухум ёки сутга қоришдан ҳосил бўладиган юмшоқ чўзилувчан қоришма; яримфабрикат. *Кампир кечга яқин хамир қориб, оширгани қўйди.* С. Аҳмад. Уфқ. *Адолат хамирни ёйиб, соч толасидай ингичка, чиройли қилиб кесиб берди.* С. Зуннунова, Олов. *Хамирга солиш учун сариёғ.. маргарин, доғлаб совитилган пахта мойи, эритилган қўй ёғи ҳам тавсия қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

Хамири ачимаган Ҳаракати суст, имиллаган. *Оббо, хамири ачимаган-ей, туша қолмайсанми энди!?* Н. Сафаров, Қурбонали. **Хамири ачимоқ** Кайфияти бузилмоқ, феъли айнимоқ. *Қараб турсам, ўртоғимнинг хамири ачиб, кайфи ланж тортиб кетяпти.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. **Хамирдан қил суғургандай** Осонлик билан, ҳеч қандай қийинчиликсиз. *Ҳар ҳолда, ҳамма иш хамирдан қил суғургандай, ими-жимида ҳал бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Хамир (нинг) учидан патир** *қ.* **патир** I.

ХАМИРГИР [*а.* + *ф.* خميرگير – хамир қилувчи, қорувчи] Хамир қорувчи ишчи, мутахассис. *Жўраларнинг бириси нон заводда хамиргир, Бириси халқ артисти, сўзлари хандон писта.* Ғ. Ғулом.

ХАМИРСИМОН Хамирга ўхшаш, юмшоқ. *Хамирсимон масса.*

ХАМИРТУРУШ [*а.* + *ф.* خميرترش – хамир ачитқиси] **1** Хамирни ошириш учун ишлатиладиган ачитқи. *Оби нон (уй нони) тайёрлаш учун.. 40 г хамиртуруш керак бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *кўчма* Ўғит, гўнг. *Ер – хамир, ўғит – хамиртуруш.* Мақол.

3 *кўчма* Бирор нарсанинг бошланиши, юзага келиши ёки амалга ошиши учун асос ёки дастак бўладиган омил, пойдевор. *-Яхшидан боғ, ёмондан доғ, – деганларидек, ҳозирги.. боғимизга илк хамиртуруш ташлаган, қўлинг дард кўрмагур шу ота бўлади, – деди раис.* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

ХАМПА [*ф.* خنبه – ғалла сақланадиган бордон, ўра] **1** Дон, ғалла ва ш.к. қўйиш ва сақлаш учун қурилган махсус жой; кандик. *-Бир кун омборда қараб турсам, хампанинг бурчаги камар бўлиб қолди, шувуллаб кетяпти, қани энди тўхтаса.* С. Маҳкамов, Шогирд.

2 *махс.* Тегирмон қурилмасининг тортиладиган дон солинадиган қисми. *Айланаётган тегирмон тошлари орасига хампадан буғдой тўкилиб турар эди.*

3 Нонвойхоналардаги хамир қорадиган ва оширадиган катта идиш; хамир тоғора. *Юз тоннали хампада хамирлар гупуради.* Ғ. Ғулом. *Хампасида бир кафт ун қолмай, танқисликка учраган хонадонларда бу ном тез-тез тилга олинар эди.* С. Анорбоев, Сайли.

4 *с.т.* Айрим деҳқончилик машиналарининг сепиладиган уруғ, ўғит ва ш.к. ни ортиб юрадиган яшиксимон қисми. *-Шу хампани беш юз килограмм чигит сиғадиган қилиб ясаб беринг, ўн минутда чигит тугаб қолиб, хуноб қиляпти, — илтимос қилди у.* Р. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас.

ХАМСА [*а.* خمسه — бешлик] *ад.* Шарқ халқлари мумтоз адабиётида бир муаллифнинг 5 достондан иборат йирик асари. *Навоий «Хамса»син ўқидим такрор..* А. Орипов.

ХАМСАНАВИС [*а.* + *ф.* خمسه‌نویس] Хамса ёзувчи шоир.

ХАМСАЧИЛИК Шарқ халқлари адабиётида достоннавислик шаклларидан бири, «Хамса» яратиш билан боғлиқ адабий анъана. *Туркий халқлар адабиётида хамсачиликка қизиқиш 13—14-асрлардан бошланган.* «ЎзМЭ».

ХАНДА [*ф.* خنده — кулги, қаҳқаҳа] *поэт.* Кулги, табассум. *Ханда қилмоқ (айламоқ).* ▬ *Кўз ёшинг-ку кўп нафис, гўзал, Билки, хандаңг йиғингдан афзал!* М. Шайхзода. *Биламан, ҳамшаҳрим ташвишли, бедор. Ва лекин лабида аския, ханда.* М. Бобоев. *Яна кўнглим олиб, юз ноз бирла хандалар қилдинг.* Завқий.

ХАНДАҚ [*а.* خندق — чуқур, ўра, окоп] **1** Шаҳар, қалъа, қўрғон, мудофаа истеҳкомлари ташқи девори ёнидан душман ўтолмаслиги учун гир айланасига қазилган узун чуқурлик. *Ўша пайтда мамлакатни ёвдан сақлаш учун шаҳарнинг ташқарисида хандақ қазиб қўйишлар эди.* «Эртаклар». *Амир Темур ва темурийлар даврида қўшин лашкаргоҳга тушганда, унинг атрофи хандақ билан мустаҳкамланган.* «ЎзМЭ».

2 Ўқлардан, бомба ёки снаряд парчаларидан сақланиш учун қазиладиган энсиз, тор чуқурлик, окоп. *Ҳаво тревогаси бошланди. Чернецов босиқ овоз билан: -Хандаққа киринг! — деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Бирор нарсани асраш, сақлаш ва ш.к. мақсадда кавланган чуқурлик, ўра. *Силос бостирилган хандақлару.. ораста далалар кўзга чалинади.* «Шарқ юлдузи».

ХАНДОН [*ф.* خندان — кулиб турувчи; хушчақчақ] Кулиб турувчи. *[Навоий:] Мени девона қилган нозанин ҳур, Юзи гул, лаъли хандон, тишлари дур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Хурсанд, шод; мамнун. *Болалик уй — хандон, боласиз уй — зиндон.* Мақол. ▬ *Шийпоннинг кўҳна айвонида тағин хандон кулги янграли.* С. Сиёев. Отлиқ аёл.

Кўча хандон, уй зиндон *қ.* **зиндон**. **Хандон писта** Мағзи уч томонидан кўриниб турадиган қилиб чақилган писта. [*Ёдгорбек*] *Тортинмасдан озгина майиз ва хандон пистани олиб, ташқарига чиқди.* «Ёшлик». **Хандон отмоқ** *ёки* **хандон ташлаб (отиб, уриб) кулмоқ** Қаттиқ кулмоқ, қаҳқаҳа отмоқ. *Қиз чапак чалиб, хандон отди-да, дўланазор оралаб қочди.* «Ёшлик». *Одамлар уйни бошларига кўтарар даражада хандон ташлаб, қаттиқ кулдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ХАНДОН-ХУШОН [*ф.* خندان‌خوشا — кулган, хушчақчақ ҳолда] Хушчақчақ, хурсанд ҳолда. *Бир ҳафта йўқ бўлиб кетган Эрали Тошкентдан хандон-хушон қайтиб келди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ХАНЖАР [*а.* خنجر — ханжар] Икки томони тиғли қурол, дудама. *Хотин лаган билан уйга кириб кетгач,* [*Отабек*] *ичидан тақилган ханжарини қинидан суғуриб олдида, дамини ойдинга солиб боқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Зимистон бурчакдан йилт этиб калтакдай ханжар учиб келиб, Матпанонинг кўкрагига санчилди.* С. Сиёев, Аваз.

ХАНЖАРБОЗЛИК Ханжар ишлатиб жанг қилиш ёки урушиш. *Ханжарбозлик қилмоқ.* ▬ *Маст бўлиб ханжарбозлик қилган авбошларни олиб кетмоқдалар.* Ойбек, Навоий.

ХАНЖУВАР Қовун, тарвуз, ошқовоқ ва ш.к. нинг уруғини гўнг солиб экиш учун қазилган чуқурча. *Ханжуварни кўммоқ.*

Ханжувар қилиб экиш Махсус қазилган чуқурчага гўнг солиб, уруғни кўмиб экиш, кўмма қилиб экиш. *Қовунни ханжувар қилиб экиш.*

ХАНИК *шв.* Пойгак; остона. *У этигини ханикка артиб-артиб, чўзилиб, тугунни сандал устига қўйди.* С. Анорбоев, Сайли.

ХАНТАЛ [*а.* خردل – хантал (горчица) ўсимлиги ва унинг уруғи] **1** Майда сариқ гулли, қўзоқ мевали, уруғи нонвойлик, қандолатчилик, консерва, парфюмерия саноатида ишлатиладиган ўсимлик; горчица. *Хантал намликни яхши кўрадиган, совуққа чидамли ўсимлик ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

2 Шу ўсимликнинг уруғи ва ундан овқатга солиш учун тайёрланган аччиқ зиравор; горчица. *Нонга хантал суриб емоқ.* ▬ *Наҳотки ханталдан ҳолвайтарни фарқ қилолмаган бедид пазанда қайла пиширишни ўргатса.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ХАНТАЛЛИ Ханталдан тайёрланган зиравор қўшилган. *Ханталли таом.*

Ханталли қоғоз *тиб.* Юпқа қилиб хантал суртилган, яллиғланишга қарши восита сифатида қўлланувчи стандарт қоғоз; горчичник. *Хантал кунжарасидан олинадиган кукундан тиббиётда ишлатиладиган ханталли қоғоз ва истеъмол қилинадиган зиравор бўтқа тайёрланади.* «ЎзМЭ».

ХАР [*ф.* خر – эшак] **1** *кам қўлл. айн.* **эшак.** *Ҳунар – зар, ҳунарсиз – хар.* Мақол.

ХАРАЖАТ [*а.* خرجت – чиқиш; дафн (маросими); чиқиқ жой] Бирор нарса учун қилинадиган сарф; чиқим. *Катта харажат. Ош харажатлари. Харажат қилмоқ.* ▬ [*Йўлчи*] *Белбоғидан ҳовли пулини чиқариб санади. Аяб-тежаб харажат қилгани учун, ёнида яна ўн беш сўм қолган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАРАК [*ф.* خرک – эшакча; таглик, поя] Дутор, танбур каби чолғу асбобларининг ипи ёки симларини кўтариб туриш учун ишлатиладиган тиргак; эшак. *Дутор хараги. Рубоб хараги.* ▬ *Қўбиз тегмади-ю, аммо қўш торини тутиб турган ёғоч хараги чиқиб кетди.* «Ёшлик».

ХАРАКИРИ [*яп.* хара – қорин + кири – ёрмоқ, кесмоқ] Японияда самурайларда: қоринни ёриб ташлаш орқали шахснинг ихтиёрий ёки мажбурий равишда ўз-ўзини ўлдириши. *2-жаҳон урушида Япония енгилгач, бир қанча япон солдат ва зобитлари, иттифоқчи қўшинларга асир тушмаслик учун, харакирига амал қилиб, ўзларини ўлдирганлар.* «ЎзМЭ».

ХАРАКТЕР [*юн.* charakter – фарқланувчи хусусият, белги] **1** Одам, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос кўриниши, хусусияти; бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб турадиган томони. *Бахшилар томонидан яратилган қўшиқлар эса лиро-эпик характердадир..* «ЎТА».

2 *псхл.* Одамнинг хатти-ҳаракати ва атроф-муҳитга муносабатида намоён бўладиган ўзига хос хусусияти, ички маънавий барқарорлиги. *Ҳар ким ўзига хос феъл-атвор, характерга эга.* «Фан ва турмуш».

3 Адабиёт ва санъатда: хусусий белгилари мукаммал тасвирланган ва ўзида феъл-атворнинг тарихан аниқ типини мужассамлантирган, шунингдек, муаллифнинг маънавий-эстетик концепциясини ифодалаган инсон образи. *Исм, характерни белгиловчи омил сифатида, катта ғоявий вазифа бажаради.* «ЎТА». *Шу тарзда ҳамма деталлар тайёр бўлган, характерлар етилгандагина ёзишга ўтирар эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ХАРАКТЕРИСТИКА [«характер» с. дан] **1** Муайян нарса ёки шахснинг характерли, фарқланувчи сифатлари, белгиларининг таърифи ва тавсифи.

2 *айн.* **тавсифнома**. *Ижобий характеристика.*

3 *мат.* Ўнли логарифмнинг бутун қисми.

ХАРАКТЕРЛАМОҚ Бирор кимса ёки нарсанинг муҳим томони ёки хусусиятларини очиб бермоқ, шарҳламоқ.

ХАРАКТЕРЛАНМОҚ 1 Характерламоқ фл. мажҳ. н.

2 Бирор хусусияти билан ажралиб турмоқ. *Унинг фаолияти нима билан характерланади?* ▬ *Элементнинг кимёвий хоссалари ядро заряди билан характерланади.* «Фан ва турмуш».

ХАРАКТЕРЛИ 1 Бирор характерга, феъл-атворга эга бўлган. *Қизиқ характерли одам. Бўш характерли бола.*

2 Кимса ёки нарсанинг ўзига хос хусусиятини ифодалайдиган, уни бошқалардан фарқлаб, ажратиб кўрсатадиган; муҳим, асосий. *Характерли мисоллар келтирмоқ.* ▬ *Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири – давлат, мамлакат, фуқарога ғамхўрлиги эди.* «Фан ва турмуш».

ХАРГЎШ [*ф.* خرگوش – эшак қулоғи: қуён]: **харгўш йили** *айн.* **қуён йили** *қ.* **қуён.**

ХАРЖ [*а.* خرج – сарф, чиқим; харажат пули; солиқ, хирож] Бирор эҳтиёж учун ишлатиладиган пул, маблағ; сарф. *Йўл харжи. Тўй харжи.* ▬ *Тўйга қилган харжингни ол, бу ёғига ёпиқли қозон ёпиқлигича қолсин, дедик.* С. Аҳмад, Уфқ.

Харж қилмоқ Сарфламоқ, ишлатмоқ. *Мўмин онаси берган пулни ҳеч нарсага харж қилмади.* «Ёшлик».

ХАРЖЛАМОҚ **1** Пулни бирор мақсад учун сарфламоқ. *Пулни топган харжласин.* Мақол.

2 Ишлатмоқ; ишга солмоқ. *Қаранг, энди дол Ғирот Бор кучини харжлайди.* «Гўрўғли».

3 *кўчма* Фойдаланмоқ. *Ҳикмат битмас-туганмас хазинадир, харжлаганинг билан у камаймайди.* Газетадан.

ХАРИ Иморат тўсинлари остидан кўндалангига қўйиладиган узун, йўғон асосий ёғоч. *Шифтдаги нотекис харилар, вассалар қатидан қамиш пўстлоқлари осилиб турарди.* Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги куни.

ХАРИБОП Харига ярайдиган, хари бўладиган. *Харибоп ёғоч.*

ХАРИД [*ф.* خرید – сотиб олиш; сотиб олинган нарса] Сотиб олиш, сотиб олинган нарса. *Молнинг харид нархи. Аҳолининг харид қуввати. Харид қилмоқ.* ▬ *Аҳмад ўзи яхши кўрган шафтолидан бир кило харид қилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. [*Ошно*] *Бирор ўн кунча ўтиб, бир қучоқ харид билан кириб келди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХАРИДОР [*ф.* خریدار – сотиб олувчи] **1** Харид қилувчи, сотиб олувчи. *Ҳар ҳолда, харидор дегани олаётган молининг феълини тузук-қуруқ билиб олгани маъқул.* М. М. Дўст. Лолазор.

2 *кўчма с.т.* Бировга (одатда бирор қиз ёки аёлга) кўнгил қўйган киши, хуштор. *..бизнинг давлатимиз соясида ўсиб баркамол бўлган бир гули норастамиз бўлиб, атрофдаги шоҳ-шаҳзодалар харидор.* «Тоҳир ва Зуҳра».

3 Ишқибоз, хоҳловчи. *Тўйда сўз бер бахшига, Харидор бўл яхшига.* Мақол. ▬ [*Ҳайитжон:*] *Ҳар одам қизини жони билан беришга харидор-у, бироқ отаси, отангнинг давлату обрўйига қизиқиб, киши қўйдираяпти.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ХАРИДОРБОП *айн.* **харидоргир.** *Бахтимга, менинг ўригим харидорбоп чиқди.* «Ёшлик».

ХАРИДОРГИР [*ф.* خریدارگیر – сотиб олинадиган, харидор тез оладиган] Харидорларнинг дидига, талабига мос, тез сотилиб кетадиган. *Мана шу чевар қизлар харидоргир маҳсулот тайёрлашади.* «Саодат».

ХАРИЛИК *айн.* **харибоп.** *Харилик ёғоч.*

ХАРИТА [*а.* خریطه – харита < *лот.* charta < *юн.* kartis – папирус япроғи] *қ.* **карта** I **1.** *Географик харита. Жаҳон харитаси.* ▬ *Географик харитага назар солсангиз, ер шарининг турли жойларида туз билан боғлиқ бўлган номларни кўп учратасиз.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик. *Аваз ҳужрасида Қосимбек ҳадя этган жаҳон харитасини томоша қилиб ўтирган эди.* С. Сиёев, Аваз.

ХАРИТАГРАФИЯ [харита + *юн.* grapho – ёзаман] Харитаграфик асарларни ўрганиш, яратиш ва фойдаланиш билан шуғулланувчи фан, картография. *9-11-асрларда яшаб, ижод қилган Хоразмий, Беруний, Кошғарий, Ҳофизи Абрў каби буюк алломалар жаҳон географияси ва харитаграфиясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар.* «ЎзМЭ».

ХАРИТАШУНОСЛИК Харитаграфик асарлар ҳақидаги таълимот, харитаграфиянинг бўлими.

ХАРИШ [*ф.* خریش / خراش – тирнаш, қириш, қиртишлаш; тирналган жой] **1** *вет.* Кўпинча уй ҳайвонларида бўладиган тери касаллиги. *Поезд хариш бўлган бедаво отдай судраларди.* Т. Малик, Қалдирғоч.

2 Хариш касалига чалинган, ҳар нарсага суркалавериб, жунлари тўкилиб кетган. [*Подишо*] *Катта ва ўртанча куёвига яхши отлар бериб, «Небилан»га бир хариш отни миндириб, овга жўнабди.* «Зумрад ва Қиммат». *Қосим Хўжаев оч қолган хариш бир мушук.. Унинг.. манфур тили қиличнинг тиғини яламоқчи бўлади.* Ғ. Ғулом, Қора мушук. *Қарасалар, бир ҳолвачи келяпти, тагида минган оти хариш, ёли-думи тўкилган.* «Гўрўғли».

ХАРИШЛАНМОҚ Хариш бўлмоқ, қичима-қирчанғи касалига йўлиқмоқ (ҳайвонлар ҳақида).

ХАРОБ [*а.* خراب – вайрон бўлиш, ҳалокат; вайрона; харобазор] **1** Қаровсиз қолган, бузилган, вайрон; ноobод. *Хароб шаҳар. Хароб боғ. Карвонсиз – йўл хароб, Оқсоқолсиз – эл хароб.* Мақол. ▬ *Бундай миш-мишларни эшитган уйдагиларнинг ҳам, бу*

(иморат) эски иморатингиздан ҳам хароб-ку, деб раъйи бўлмади. Шукрулло, Сайланма.

2 Моддий ёки маънавий жиҳатдан аҳволи танг. *Зар бўлмаса, заргар хароб, Ер бўлмаса, деҳқон хароб.* Мақол. ▬ *Шундай ёнидаги дўстининг оиласи хароб яшашига асло эътибор бермаган экан.* «Ёшлик».

3 Эски, юпун, жулдур. *Уст-боши хароб одам.*

4 Озғин, ориқ, нимжон; кўримсиз. *Хароб от.* ▬ *-Нимаси зотли, ўзимизнинг жайдари қўйлардан ҳам хароб-ку! — ажабланди чўпон.* «Муштум».

Хароб бўлмоқ 1) вайрон бўлмоқ. *Остингда ўйнайди Ғиркўк тулпоринг, Сенсиз хароб бўлар гулу гулзоринг.* «Гўрўғли»; 2) жисман ёки маънан аҳволи ёмонлашмоқ. *Ризо тош ёки бутага илкис қоқиниб йиқилар, ўша заҳоти.. ўрнидан туриб кетар, бўлмаса, танаси мана бу чағир тошлар устида тимдаланиб хароб бўларди.* «Ёшлик». *Қадам босма, менинг кўнглим хароб бўлган, азизим..* «Ёшлик». **Хароб қилмоқ (***ёки* **этмоқ)** 1) бузмоқ, вайрон қилмоқ. *Кўп элларни хароб қилди жанжалинг..* «Гўрўғли»; 2) *кўчма* ёмон аҳволга солмоқ. *Умрингни хароб этма ўткувчи ҳавас бирлан..* Уйғун. *Бу одамни ароқ хароб қилганди.* «Шарқ юлдузи»; 3) увол қилмоқ. *Яхши хотин арпа унини кабоб қилар, Ёмон хотин буғдой унини хароб қилар.* Мақол.

ХАРОБА [*а.* خرابه — вайрона, харобазор] **1** *от* Қаровсиз қолган жой, иморат, иншоот. *Ҳовли харобага айланиб қолган экан.* «Ёшлик». *Қишлоқ ва шаҳарлар хароба буткул, Шу ердан ўзига фашист очмиш йўл.* Ғ. Ғулом.

2 *от* Бузилиб кетган бирор жой ёки қадимий иншоотлардан қолган қисм. *Қуйига энгани сари собиқ ҳовли харобалари кўрина борди.* «Шарқ юлдузи». *[Искандар] Чўк тушиб ётган туя карвонидай бир-бирига мингашиб кетган Далварзинтепа харобаларига тикилиб туриб қолди.* М. Мансуров, Ёмби.

3 *сфт.* Қаровсиз, файзсиз. *Чол.. қишлоқнинг энг чети, кунботаридаги эгасиз ҳувуллаб ётган хароба ҳовлига кирди.* «Ёшлик».

ХАРОБАГАРЧИЛИК *с.т.* Харобалик.

ХАРОБАЗОР [*а.* + *ф.* خرابه‌زار] Қаровсиз қолган, хароб бўлган уйлар, вайроналар. *Ҳаёт шами бутунлай сўнган Жиззах култепа, харобазорга айланиб, мозор жимлиги ҳукмрон бўлиб қолганди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ХАРОБАЛИК *айн.* **харобазор.** *Зилзила харобаликлари.* ▬ *Ҳовлининг кунботар томонида харобаликдан озгина берида.. икки даричалик бир уй, бу уй қаторида бир айвон бўлиб, шунинг ила бу ҳовлининг тиккайган биносининг ҳисоби тамом эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХАРОБЛАШМОҚ 1 Хароб бўлмоқ, вайрон бўлмоқ, бузилмоқ. *Хароблашган шаҳар. Қадимги хароблашган қишлоқлардан асар йўқ.*

2 *кўчма* Моддий ва маънавий жиҳатдан қийин, оғир аҳволга тушмоқ; қашшоқлашмоқ. [*Шокир ота:*] *Мен қанча харoблашсам, у шунча хурсанд бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАРОБЛИК 1 Хароба, вайрона эканлик. *Қишлоқнинг харoблиги.*

2 Моддий ва маънавий қийинчилик; қашшоқлик.

ХАРОБОТ [*а.* خرابات — вайроналар, харобалар; ичкиликхона] *айн.* **харобазор.** *Мамлакатда рўзғор бузғунлиги, босқинчилик, очлик ва бошқа харoботлар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 *эск. кт.* Қовоқхона. *Харобот ичра кирдум ошуфтаҳол, Май истарға илкимда синган сафол.* Алишер Навоий.

ХАРРАК [*ф.* خرک — эшакча; таглик, поя] *шв.* Ўриндиқ, скамейка. *Бозордан чиқаверишда кимсасиз бир гузардаги тол тагига сув сепиб қўйилган экан, ўша ердаги ёғоч харракка ўтириб, бир зум дам олгиси келди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Яхшибоев ўтирган харрагидан турди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бир харрак четида ўтириб, газетани кўздан кечира бошлади.* О Мухтор, Бухоролик бир йигит.

ХАРРОТ [*а.* خرّاط — ёғоч ўювчи, йўнувчи уста; токарь] **1** Ёғочни ўйиб, гул, безак солувчи уста, ёғочсоз. *Ҳозир.. малакали бинокорлар — дурадгорлар, харротлар тайёрлана бошланди.* Газетадан.

2 *айн.* **тароқчи.**

ХАРСАНГ [*ф.* خرسنگ — катта, тарашланмаган тош] Катта табиий тош. *Машина ўнгир оралаб кечагина сел суриб туширган харсанг уюмлари олдида тўхтади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ХАРСАНГТОШ *айн.* **харсанг**. *Абдурасул сувнинг кечувига етиб, харсангтошга ўтир-*

ди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Харсангтошлар орқасига яширинган, қирғоқнинг юқори тарафига ўтиб кетган кишилар аста қайтиб кела бошладилар.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАРТИЯ [*юн.* chartion – қоғозча < chartes – папирус варағи; қоғоз] *сиёс.* Ижтимоий-сиёсий аҳамият ва мазмунга эга бўлган айрим ҳужжат ва декларацияларнинг номи. *Англия ҳурриятпарварларининг улуғ хартияси.*

ХАРТУМ [*а.* خرطوم – хартум, тумшуқ; узун бурун] **1** Айрим судралиб юрувчи ва сутэмизувчилар тумшуғининг узайган бурун қисми. *Филлар хартуми билан отлиқларни ўраб олиб, ерга урар, босиб ўлдирарди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Фил хартуми билан сўриб олган сувни оғзига юборади. Паразит чувалчанглар илмоқ хартуми ёрдамида ичак деворига ёпишиб олади.* «ЎзМЭ».

2 *кўчма* Экскаватор, кран кабиларнинг ер қазиш, юк кўтариш сингари ишларни бажарувчи, олдинга чўзилиб чиққан қисми. *Хартуми узун кран ердан эшикдай келадиган оғир темирбетон тахталарни кўтариб, осмони фалакка кўтаради..* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ХАРТУМЧА 1 Хартум с. нинг кичр. эркл. шакли.

2 *зоол.* Пашша, ари каби ҳашаротларнинг тешиш, сўриш (чақиш) учун хизмат қиладиган узун наштарсимон оғиз ўсимтаси. *Арилар.. кўз илғамас хартумчалари билан шира эмиб оладилар-да, яна визз этганича келиб, эшикчалардан «уй»ларига кириб кетадилар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ХАРХАША [*ф.* خرخشه – адоват; уриш, жанжал; саросима, ғулғула] **1** Арзимаган нарса учун қилинадиган жанжал; машмаша, инжиқлик. *Шунинг оқибатида Акобир Мастуранинг барча хархашаларини кўтара бошлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

Хархаша қилмоқ Жанжал кўтармоқ, инжиқлик қилмоқ. *Саҳарга яқин туш кўрибди. Тушида Ғани қайтиб келиб, нуқул хархаша қилармиш.* М. Мансуров, Ёмби. *Бола уйғониб, яна дадамга бораман, деб хархаша қила бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Бирор ишни бажаришдаги қийналиш; қийинчилик, ташвиш; дахмаза. *Асаларичиликнинг хархашаси кўп бўлади. Табиий газ аҳолини кўп хархашалардан озод қилди.*

ХАРХАШАЛИ 1 Қийинчилик билан бўладиган, серташвиш, дахмазали. *Хархашали иш.*

2 Хархаша қиладиган, серхархаша; инжиқ. *Хархашали бола.*

ХАРХАШАСИЗ 1 *рвш.* Хархаша қилмасдан, жанжалсиз, тинч, осойишта. *Хархашасиз яшамоқ.* ▬ *Бу йилги қиш хархашасиз ўтмағуси.* F. Ғулом, Кўкан.

2 Хархаша (жанжал ёки инжиқлик) қилмайдиган, тинч яшайдиган. *Хархашасиз бола. Хархашасиз оила.*

3 Осонгина амалга ошадиган; ташвишсиз. *Хархашасиз иш.*

ХАРХАШАЧИ Хархаша қилувчи, жанжалкаш; инжиқ. *Хархашачи бола.*

ХАС [*ф.* خس – хашак; шох-шабба, қуруқ шохча] Қуруқ ўсимлик пояси; хашак, чўп. *Чўкаётган одам хасга ёпишар.* Мақол. ▬ *Рўзиев сигирнинг ювошлигию хасни ташласа ҳам ейишини мақтайди.* «Ёшлик».

ХАСВА I *зоол.* Ғалла ўсимликларига зарар келтирувчи ҳашарот, ўсимлик қандаласи. *Донли экинларга Осиё чигирткаси ва хасва қандаласи.. катта зиён келтиради.* «Зоология».

ХАСВА II *шв.* Хасмол.

ХАСИС [*а.* خسيس – паст, тубан, қабиҳ, разил, мурдор] **1** Бировга нарса ёки пул бермасликка, сарфламасликка интиладиган киши; зиқна; қизғанчиқ. *Бахил эҳсондан қочар, Хасис меҳмондан қочар.* Мақол. ▬ *Бу дейман, Сайдибой.. уст-бошинг бир аҳволда.. сал хасисроқмисан? – деб сўради Ибодулло Махсим.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

2 *кўчма* Ҳосил бермайдиган, экин битмайдиган, ориқ (ер ҳақида). *Хасис ердан унум чиқмас, аҳвол чатоқ.* Ойбек, Зафар ва Заҳро.

3 *кўчма* Ортиқча, ўринсиз сўз ишлатмайдиган (ёзувчи ҳақида). *Сўзга хасис адиб.*

ХАСИСЛАШМОҚ Хасис ёки қизғанчиқ бўла бормоқ. *У жуда хасислашиб кетибди.*

ХАСИСЛИК Қизғаниш, зиқналик одати, хусусияти; қизғанчиқлик. *Мана, сиз хасислик қилган бўлсангиз, биз сахийлик қиламиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАСКАШ [*ф.* خسكش – хас тортувчи, тўпловчи] Хашак, хас-чўп ва ш.к. ни йиғиш, тўплаш, шунингдек, чопилган ер тупроғини майдалаб текислаш учун ишлатиладиган, узун дастали, кўп тишли қишлоқ хўжалик қуроли. *Ҳовлида сочилиб кетган пичанларни*

хаскаш билан йиғиштириб, тўплаб юрган Болтабой ота хаскашнинг сопига бағрини бериб, хаёл суриб қолганди. С. Зуннунова, Олов.

ХАСМ I [*а.* خصم – душман; мухолиф] *фольк.* Рақиб, ғаним, душман. *Оғир лашкар элга яқин келдими, Ўзима бир подшо хасм бўлдими?* «Юсуф ва Аҳмад».

ХАСМ II [*а.* خصم – ушлаб, чегириб қолиш, чегирма] Бировнинг ихтиёридаги нарса ёки киши. *Шакархондек қудратли ноибнинг хасмига кўз олайтиришга кимнинг ҳадди сиғди экан, унинг мулкига бостириб киришга.. қайси зот юрак ютди экан!* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Қиз бола – бировнинг хасми.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХАСМОЛ [*ф.* خسمال] Йиринглатувчи микроблар кириши натижасида қўл бармоғи тўқималарининг ўткир йирингли яллиғланиши; милкак. *Қўлингга хасмол чиққур! (қарғ.)* ▬ *Бир вақтлар Тошбувининг бошмалдоғига хасмол чиққан эди..* Мирмуҳсин, Умид. *Хасмолнинг ҳар қандай шакли, айниқса, чуқур хасмол нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.* «ЎзМЭ».

ХАСПЎШ [*ф.* خس‌پوش – хас, хашак билан ёпиш]: **хаспўш қилмоқ** *айн.* **хаспўшламоқ.** *У кирдикорларини.. хаспўш қилишга интилса ҳам, ўз ифлослигини одамлардан яширолмади.* Ойбек, Навоий.

ХАСПЎШЛАМОҚ Хато ва камчиликларни яширмоқ, шунга уринмоқ. *Наҳотки одамнинг умри ўз заифлигини хаспўшлаш билан ўтса?!* Ҳ. Темиров, Хиёбондаги одам.

ХАСТА [*а.* خسته – чарчаган, толиққан, беҳол; қийналган; яраланган] *кт.* Касал, касалманд. *Профессор: -Сиз хаста эмассиз, Яхшибоев, – деб кулди, – шунчаки чарчагансиз..* М. М. Дўст, Лолазор. *У* [*Нигина*] *бечора оғир хаста эди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 *кўчма* Қийналган, дардли; қайғули. *Аваз ўғлон хаста кўнглин хушлади..* «Гулшанбоғ».

3 *кўчма* Кучсиз, заиф; паст (овоз ҳақида). *У Исмат Қори хаста, нолинқираган овозда шикоятга ўтди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ХАСТАДИЛ [*а.* + *ф.* خسته‌دل – қалби, юраги беҳол; юраги эзилган] **1** Азоб-уқубат чеккан, руҳан эзилган. [*Мансур:*] *Пирим, афв айлангиз бахти қарони, Ғарибу хастадил мотамсарони.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 *кўчма* Жуда қаттиқ севиб қолган, ошиқу беқарор. *Етолмайин соғиниб, хастадил Ҳабибингман..* Ҳабибий.

ХАСТАДИЛЛИК Ғамгин, қайғули ҳолатда бўлишлик. -*Саидғози Саидвалиевичдан ҳам айрилиб қолдик, – деди Акрамов хастадиллик билан.* С. Анорбоев, Оқсой.

ХАСТАЛАНМОҚ Бирор касал билан оғримоқ, касал бўлмоқ. *Қандли диабет билан хасталанган беморнинг кундалик овқатида карам, қовоқ, бодринг, укроп, помидор бўлиши керак.* «Фан ва турмуш».

ХАСТАЛИК *қ.* **касаллик.** *Бу хасталик [буқоқ] оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин.* Газетадан.

ХАСТАХОНА [хаста + хона] *кт. айн.* **касалхона.** *Исломхўжа камбағаллар учун хастахонани бепул қилдириб қўйди.* С. Сиёев, Аваз.

ХАСТАҲОЛ [*ф.* + *а.* خسته‌حال – аҳволи, ҳолати касал каби] *кт.* Хаста каби; заиф. *Энди Усмоновнинг овози суҳбат бошидагидек жарангдор ва дадил эмас, балки ёнимда хастаҳол бошқа киши гапириб келаётгандек эди.* «Ёшлик». *Севаргул хастаҳол жилмайди: начора, онажон..* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ХАС-ХАШАК [хас + хашак] Турли ўт, хашаклар. *Иркит қор устидан қалин кул сепилган, тор йўлкага қалин хас-хашак сочилган.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ХАС-ЧЎП [хас + чўп] Турли хас ва ўтинчўп. *Кечаси тоғларга ёмғир ёққан бўлса керак, сойнинг суви.. йўл-йўлакай хас-чўпларни оқизиб келмоқда эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ХАТ [*а.* خطّ – чизиқ; йўл; чегара чизиғи; саф, қатор; нома, мактуб; ёзув; дастхат] **1** Ёзув, ёзилган, чизилган ёки ўйиб туширилган белгилар; матн. *Олим тошга ўйилган қадимий хатни ўқишга уринди.* ▬ *Хат кичикроқ қоғозда ўлчовлик сўзлардан иборат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёзувда ишлатиладиган график белгилар; ҳарфлар тизими. *Арабча хат. Лотин хатини ўрганмоқ.*

3 Бирор хабар бериш ёки фикр алмашиш мақсадида аниқ манзилга асосан почта орқали юбориладиган, матн ёзилган қоғоз. *Бир куни почтальон Ашурали отага хат тутқазди: -Ўғлингиз Кимсанбойдан.* Т. Ашуров, Оқ от.

4 Ҳарфларни ёзишдаги ўзига хос услуб, кўриниш, ёзув хили. *Унинг хати хунук.* ▬ *[Асар] Жуда сифатли новвотранг қоғозга настаълиқ хатида кўчирилган.* «ЎТА».

5 Савод; ҳарф таниш. *[Имом:] Тўғрисини айтсак, хатимиз йўқ ҳисобида!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Уста Мўмин, раҳматлик, хат билар эди, китоб кўриб, боланинг отини Ёдгор қўйди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

6 Расмий қоғоз, ҳужжат. *Бунга ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги расмий ишга тааллуқли бўлган хатлар, ёзишмалар киради.* «ЎТА».

7 Сатр, мисра. *Билиш учун ҳар қайси шеърдан бир-икки хат ўқиб кўриш керак эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Талоқ хати Эр-хотиннинг бир-биридан ажралиши ҳақидаги расмий қоғоз, ҳужжат. *Бир неча вақтдан сўнг Ҳомиднинг сохта талоқ хати билан эридан чиққан қиз Комилбекка бериладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хат тортмоқ** 1) чизиқ тортмоқ, чизмоқ; 2) *кўчма* чек қўймоқ, йўқ қилмоқ, даф қилмоқ. *Бу золимнинг жабрига худо ўзи хат тортмаса, бандаси невлайди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. **Хат қилиб бермоқ** Ўз мулкини бировга қонуний йўл билан расмийлаштириб бермоқ, топширмоқ. *Уйимни интернатга хат қилиб бердим.* ▬ *Сиз бойларнинг ер-мулкларини мусодара қилиш вақтида энг яхши ерларни уларнинг ўзларига хат қилиб бергансиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Хатга олмоқ** (*ёки* **солмоқ, битмоқ**) Рўйхатга киритмоқ. *Мулкни хатга олмоқ.* ▬ *Бу уйдаги ҳамма нарса хатга олингандан кейин, ташқарига чиқилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Хатга тушмоқ** Рўйхатга киритилмоқ. *Хатга тушдинг — ўтга тушдинг.* Мақол. **Юмалоқ** (*ёки* **думалоқ) хат** *с.т. айн.* **имзосиз хат** *қ.* **имзосиз**. «*Колхоз жун планини пул билан тўлдирди», деган мазмунда райкомга думалоқ хат ёзиб юборди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ХАТА [*р.* хата < *венг.* haz < *ф.* کته — қазноқ, кичик омборхона] Украина, Белоруссия ва Жанубий Россия қишлоқларидаги деҳқонлар яшайдиган уй. *Унда хатамиз ҳув дарё бурилган жойда, ўрмон ёқасида эди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Хаталардан бирида тунни ўтказдик.* «Шарқ юлдузи».

ХАТАР [*а.* خطر — хавф; таҳлика, ваҳима, хавотир] **1** Бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит. *Бу ерда бир хатар бор. Ёлғон айтган кишининг Хатари бор ишининг.* Мақол. ▬ *Аввал мен сиздан миннатдор бўлишим керак.. Сиз туфайли кўп қаторида мен ҳам бир хатардан қутулиб қолганман.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Хатарли, хавфли, таҳликали. *Душманнинг бири ҳам хатар.* Мақол. ▬ *Аммо бири кетса, бадтари келди, Янги очкўзларнинг хатари келди.* М. Шайхзода.

ХАТАРЛИ Бирор бахтсизликка, ёмон натижага олиб келиши мумкин бўлган, хавфли, таҳликали. *Юрак-томир касалликлари орасида айниқса миокард инфаркти энг хатарли хасталиклардан ҳисобланади.* «Фан ва турмуш». *У биронта хатарли тадбирни таклиф қилди, шекилли, бригадир қўлларини тез-тез силтаб, аввал анчагача унамади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ХАТАРНОК [*а.* + *ф.* خطرناک — хавфли; хавотирли; таҳликали] *кт. айн.* **хатарли.** *Бунинг устига, сарбоннинг айтишига қараганда, бу манзиллар хатарнок, қароқчи тўдалари ҳужум қилиб тураркан.* Х. Султон, Бобурийнома.

ХАТАРСИЗ Бехатар, хавфсиз. *Асқар полвон билан Али тажанг.. хатарсиз бир парча жой топиш умидида ҳолсиз югурдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ХАТБОШИ Босма ёки ёзма матнда хатнинг дастлабки қаторидан бир оз жой ташлаб бошлаш, абзац. *Хатбошидан ёзмоқ.*

ХАТИБ [*а.* خطيب — нотиқ, воиз, ваъзхон; унаштирилган, куёв] *дин.* Масжидда жума ва ҳайит намози пайтида хутба ўқийдиган, ваъз айтадиган домла, имом; воиз. *Бароқ қошлари қоп-қора хатиб минбарга чиқиб, ваъзхонлик қилаётган экан.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ХАТКАШ [*а.* + *ф.* خطکش — хат, чизиқ тортувчи] **1** *эск.* Хат ёзиб берувчи; мирза.

2 *махс.* Чизиқ, йўл ҳосил қиладиган қишлоқ хўжалик асбоби; маркер.

ХАТЛАМОҚ *с.т.* **1** Мусодара қилинган мол-мулкни бирма-бир ҳисобга олиб, ёзиб чиқмоқ, рўйхатга олмоқ. *Икромжон акамни қамоққа олиб кетишди. Ҳамма нарсани хатлаб кетишди.* С. Аҳмад, Гулдаста.

2 Мол-мулкни биров номига қонуний расмийлаштириб бермоқ. *Ғунончани қайтариб олдик, деб кулди Яхшибоев ичида, энди тагидаги «Волга»ни ҳам Тамара келинга хат-

латиб берсак, унда оёғига тушов тушади.. М. М. Дўст, Лолазор.

ХАТЛАШМОҚ *с. т.* Бир-бирлари билан хат ёзишиб, хат олишиб турмоқ. *Мен дўстим билан хатлашиб тураман.*

ХАТЛИ 1 Хати бор, ёзувли. *Хатли қоғоз.* ▬ *Акбаржоним отлидир, Салласи гул хатлидир.* «Қўшиқлар».

2 Хат-саводи бор, ёзув-чизувни биладиган. *У* [*F. Fулом*] *«Менинг саводли, хатли бўлишимга бошида отам, сўнгра онам сабаб бўлдилар», деб таъкидлайди.* Ҳ. Ёқубов, Faфур Fулом ҳаёти ва ижоди.

ХАТМ [*а.* ختم – тугатиш, тамом қилиш, охирига етказиш]: **хатм қилмоқ** *эск.* 1) бирор ишни охирига етказмоқ, тугатмоқ. *Тўрт кунсиз Қуръонни хатм қилиб бўлмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Сиз Шарқда ишлаб жуда кўп тажриба орттиргансиз, бир неча тил биласиз, – давом этди Малисон, – Қуръонни хатм қилган забардаст мударриссиз..* К. Яшин, Ҳамза; 2) мукаммал билмоқ, эгаллаб олмоқ, эгалламоқ. *Китоб кўраверив, саводинг ҳам чиқиб қопти. Инглизчани ҳам хатм қилиб юборган бўлсанг керак.* К. Яшин, Генерал Раҳимов. **Хатми кутуб қилмоқ** Мадрасани тамомламоқ, тугатмоқ. *Марҳум бузруквор Бухородан хатми кутуб қилиб келибдур.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Хатми қуръон** 1) Қуръонни тўлиқ ўқиб тушириш. *Рамазон ойида, таровиҳ намозида Қуръоннинг аввалидан охиригача тиловат қилиб чиқилиши ҳам хатми Қуръондир.* «ЎзМЭ»; 2) марҳумлар арвоҳига атаб қуръон тушириш ва шу муносабат билан ўтказиладиган диний маросим, кичик зиёфат. *У* [*Миробид*] *кексаларни йиғиб, ота-боболарининг арвоҳига хатми қуръон қилдирди.* В. Fофуров, Вафодор.

ХАТ-МАҲР, хатти-маҳр [*а.* خطّ مهر – маҳр ҳақидаги ҳужжат] Маҳрига ёки чекига тушганлик ҳақидаги ҳужжат.

Хат-маҳр қилиб бермоқ (*ёки* топширмоқ) Расмий равишда ихтиёрига топширмоқ ёки зиммасига юкламоқ. *-Лўлиларни менга хат-маҳр қилиб топширганмидингиз? Тушунолмай қолдим, – деди Раҳимжон.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ХАТНА [*а.* ختنه – кесиш, кестириш; суннат қилиш] *дин.* Мусулмонлар ва б. баъзи халқларда ўғил болалар жинсий аъзосининг чекка кертмагини кесиш ёки кестириш. *Хатна маросимлари ўзбеклар ва бир қанча халқларда тўй шаклида ўтказилади.* «ЎзМЭ».

Хатна тўйи Хатна муносабати билан ўтказиладиган маросим, зиёфат; суннат тўйи. *Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўйи ҳам бор.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Хатна қилмоқ** Шундай тадбирни амалга оширмоқ. *Ботиржон, Шокиржонларнинг туғилган кунларини ўтказиб, уларни хатна қилмоқчи эканлар..* «Ёшлик».

ХАТО [*а.* خطاء – хато, қусур; гуноҳ] **1** Ҳисоблаш, ёзиш, ўқиш, сўзлаш ва ш.к. ларда адашиш, янглишиш, нотўғрилик, қусур. *Имловий хато. Математик хато.*

2 Умуман, турмушда, ишда йўл қўйилган камчилик, нуқсон, нотўғри хатти-ҳаракат. *Душман сирингни ўғирлайди, Дўст хатонгни тўғрилайди.* Мақол. ▬ *..аммо муҳаббат жуда ноёб нарса, бу йўлдаги хатони ҳеч кечириб бўлмайди!* Мирмуҳсин, Умид.

Хато қилмоқ (*ёки* кетмоқ) Хатога йўл қўймоқ, камчилик ёки нуқсон юз беришига имкон бериб қўймоқ. *Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.* Мақол. ▬ *Ватерлоода хато қилди Наполеон, Жаҳонгирнинг қайтди шу кун омади.* А. Орипов. *Сиз Меҳри тўғрисида хато кетдингиз, чунки у фақат янги ерда ишлаш нияти билан секретарликдан кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, асоссиз, нотўғри. *Хато ёзмоқ. Хато ҳисобламоқ. Хато сўзламоқ.* ▬ *Жўрттага хато ўқиб, ўзинг кулдирдинг.. Ўқи, Раъно.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 *қ.х.* Ердан чиқмай ёки унмай қолган уруғ ҳақида. *Яхши ишланмаган ерга экилган уруғ хато чиқади.*

5 Мўлжалга, нишонга тегмаслик. *Ўқ хато кетди.* ▬ *Ҳеч қайсисининг отгани хато кетмас эди, ҳеч бир душман омон кетмас эди.* «Алпомиш».

ХАТОЛИК Хато иш, хатти-ҳаракат; янглишув. *Ёки мендан бир хатолик ўтдими..* «Гулшанбоғ». *Доимий хатоликларнинг учраши ўлчов асбоблари билан боғлиқ.* «ЎзМЭ».

ХАТОСИЗ 1 Хато қилмаган ҳолда, тўғри; бехато; тўла-тўкис. *Хатосиз ёзмоқ. Хатосиз сўзламоқ.* ▬ *Fўзани хатосиз ундириб олиш Қурбонали полвон звеносида одат ҳукмига кириб қолди.* Н. Сафаров, Қурбонали.

2 Ўқни зое кетказмай, аниқ нишонга олиб. ▬ *Ўқни хатосиз отмоқ. Хатосиз мерган бўлмас.* Мақол.

ХАТПАРАСТ [*а.* + *ф.* خطّپرست – хатни, ёзишни яхши кўрувчи] *кам қўлл.* Хат ёзишни яхши кўрадиган. *Хатпараст одам.* ▬ *Одатим – хатга бир ўтирсам, қаторасига ёзаман. Лекин хатпараст эмасман.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ХАТ-ПАТ *с.т.* Хат-хабар, ёзув. *Подшонинг ўғли яна етти йил ўқигандан кейин унча-мунча хат-пат танийдиган бўлган экан.* «Эртаклар».

ХАТ-САВОД [хат + савод] Ўқиш, ёзиш. *Париларга ўхшар экан келбати, Мулла бўлиб чиққанди хат-саводи.* «Нурали».

Хат-саводи бор Ўқиш, ёзишни биладиган, саводли. *Сен.. хат-саводинг бор-а?* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Хат-саводи йўқ** Ўқиш, ёзишни билмайдиган, саводсиз. **Хат-саводини чиқармоқ** 1**)** ўқиш, ёзишни билиб олмоқ, саводли бўлмоқ; 2) ўқиш-ёзишни ўргатмоқ.

ХАТ-САВОДЛИ Хат-саводи бор, ўқиш, ёзишни биладиган. *Турсунбува.. дуойи саломни ўқитиш учун бутун қишлоқда бирор хат-саводли киши тополмасдан, мулла қидириб, Наманганга тушишга мажбур бўлган эди.* Газетадан.

ХАТ-САВОДСИЗ Хат-саводи йўқ, ўқиш, ёзишни билмайдиган. *Хат-саводсиз одам.*

ХАТТИ-МУҲР [*а.* خطّ مهر – муҳрли ҳужжат]: **хатти-муҳр қилиб бермоқ** Бирор нарса ёки мулкни расмий равишда, ҳужжат билан топширмоқ. *Ҳали заводимни хатти-муҳр қилиб бераман, деб сиз билан нотариусга бормоқчи эдим. Жуда қизиқ иш қилиб қўйдингиз-да.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ХАТТИ-РАЙҲОН [*а.* خطّريحان – райҳон шохларига ўхшаш хат] Хаттотликда арабча ёзув шаклларидан бири (*яна қ.* **райҳоний).** *Ўйлаб-ўйлаб, арабий калималарни хатти-райҳон шаклида ёзиб.. бозор томон равона бўлдим.* Ғайратий, Довдираш.

ХАТТИ-ҲАРАКАТ [*а.* خطّالحركت – ҳаракат чизиғи, чегараси] **1** Юриш-туриш, хулқ-атвор. *Бекнинг хатти-ҳаракатини кўрган бойнинг фиғони фалакка чиқди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кичкина қизчаларнинг хатти-ҳаракатлари катталарни эслатарди.* «Ёшлик».

2 *эск.* Ҳаракат қилиш, иш олиб бориш режаси, тактика. *Йўл устида ҳам, Тошкент билан яширинча сўз олишиб, хатти-ҳаракат чизишиб туришдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХАТТОТ [*а.* خطّاط – ҳуснихат ёзувчи; ҳуснихат муаллими] *эск.* Чиройли ва аниқ ёзадиган одам; каллиграф. *Навоий асарлари машҳур хаттотлар томонидан кўчирилган.* ▬ *Улуғбек ажойиб хаттот, мусаввир ва саҳҳофнинг олтин қўллари билан яратилган бу китобни зўр иштиёқ билан узоқ томоша қилди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

ХАТТОТЛИК *эск.* Асарларни ҳуснихат билан кўчириб, китоб ҳолига келтириш билан шуғулланиш, хаттот касби.

ХАТ-ХАБАР [хат + хабар] Хат ва хабар, дарак. *Ғайри юртда юрган одам хат-хабар қилмасмикан?* «Нурали».

ХАТЧЎП [хат + чўп] Ўқилаётган бетни осон топиш учун китоб ичига солиб қўйиладиган махсус чўп, безакли ип ёки бир парча қоғоз, лента ва ш.к. *Мутриб хатчўп солинган бир саҳифани очди-ю, «Ўқи!» деди.* «Ёшлик».

ХАТ-ҲУЖЖАТ [хат + ҳужжат] Хат ва ҳужжат(лар). *Хат-ҳужжатларни тартибга келтирмоқ.*

ХАФА [*ф.* خفه – бўғиш, бўғилиш, нафас қайтиш; бўғиб ўлдириш; бўғувчи] **1** Ғамли, қайғули, ҳасратли. *У* [*Зулфизар*] *жуда ҳам хафа, шаҳло кўзларида нам, мунғайиб қолган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Кумуш жуда хафа кўринганликдан, унинг кўнглини очмоққа тўғри келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ранжиган, озор топган, норози; аразлаган. *Кимдан хафасиз? Мендан хафа бўлманг.* ▬ *[Вера:] Мактаб билганида, тўйингни бир йил кейинга қўйдирар эди. Яширдинг. Ҳамма сендан хафа.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Хафа бўлмоқ 1) қайғули ҳолатда бўлмоқ. *Хафа бўлиб, ёшга тўлганди кўзим, Ўлсам, ўчар Чамбилдан босган изим.* «Нурали»; 2) ранжимоқ; озор топмоқ. *-Анави куни мендан хафа бўлдингиз-а, – деди у орқасига қарамай.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Икромжон хафа бўлмаганини билдириб.. илжайди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Хафа қилмоқ** Ранжитмоқ, озор бермоқ. *Агар у ерда ҳам уни хафа қилишса.. чопонини елкасига ташлаб кетаверарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАФАГАЗАК [*ф.* خفه‌گزک] **1** Яллиғланиш, газак олиш (яра ҳақида). *Яра хафагазак бўлибди.*

2 *с.т.* Хафа бўлган, аразлаган ҳолда. *Анзират хафагазак чимирилиб, қочиб кетди.* Н. Қиличев, Куюн.

ХАФАГАЗАКЛИК *айн.* **хафалик.** *Севаргул отасининг хафагазаклигини жилла аритиш илинжида куну тун хизматда шай турди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ХАФАГАРЧИЛИК *айн.* **хафалик**. *Хафагарчилик узоқ давом этмади: улар уч кундаёқ ярашиб олдилар.* «Ёшлик». *Масъудахон эрининг келишини, нима олиб келишини сабрсизлик билан кутар, хафагарчилик, қайғуаламлари тарқалгандек бўларди.* Газетадан.

ХАФАЛАНМОҚ *кам қўлл.* Хафа бўлмоқ. *Муаллиф ўз асарининг бунчалик эътироф топганидан мамнуният билдиргани ҳолда, баъзи масъулиятсиз ўзбошимчаликлардан хафаланганини ҳам изҳор этган эди.* Ш. Ризаев, Жадид драмаси. *Абдулазиз.. Аппон чолнинг ранги ўзгариб, юзидаги ажинлари янаям қуюқлашганини.. қаттиқ хафаланиш аломатига йўйди.* «Ёшлик».

ХАФАЛАШМОҚ Бир-биридан хафа бўлмоқ, келиша олмай қолмоқ; койишмоқ. *Гап шу: хатойингни тузатасан. Йўқса, ёмон хафалашиб қоламиз.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ХАФАЛИК Ғамғинлик, қайғули ҳолат; ранжиганлик. *Зайнаб хафалиги ошган кезларда қариндош-уруғлариникига юриб, чигилини ечар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг* [*Нигоранинг*] *нозик қирмизи.. юзида хафалик, кўзларида чуқур ўйчанлик бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ХАФАОМУЗ [*ф.* خفه‌آمیز – хафага ўхшаш, хафанамо] Хафа бўлган сингари, маъюслик билан. *Фотима чиройли кўзларини шўх ўйнатиб, қони қочган билакларини ишқаб, хафаомуз гапирди.* Н. Ёқубов, Бўсағада.

ХАФАХОН *айн.* **хафақон 1.** *-Комилжон ака, – деди Содиқ хафахон овозда, – қанча зарар бўлса тўлаймиз. Мени озод қилинг бу қийноқдан.* И. Раҳим, Ихлос.

ХАФАЧИЛИК *айн.* **хафалик.** *У хафачилик нималигини билмайдиган шўх-шаддод бир қиз эди.* М. Мансуров, Ёмби.

ХАФАҚОН 1 [*а.* خفقان – юрак уриши, дукиллаши] Мунгли, ғамгин, хафаҳол. *Унга ўз ўйлари чигилини ёзиб олишга ёлғизлик, хафақон қалбига ором, нафаси бўғилаётган ўпкасига ҳаво керак эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Театрга борганингизда, биронта хафақон актёрни учратиб қолсангиз, унинг дарди роль устида бўлади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Дилсиёҳлик билан ўтадиган. *Хафақон, чалкаш кунларнинг бирида Исфандиёрнинг яна икки катта амалдори қочди.* Мирмуҳсин, Чўри.

3 *тиб.* Юракнинг тез ёки нотекис уришини сезиш ҳолати. *Хафақонни даволаш ва олдини олиш касалликни келтириб чиқарган сабабларга боғлиқ.* «ЎзМЭ».

4 *тиб.* Қон босимининг ортиши туфайли юз берадиган касаллик, гипертония. *Баъзи кишиларнинг айтишига қараганда, онам хафақон касалига йўлиққан эмишлар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [*Беморларнинг*] *Бири хафақон, бошқаси сил касалига мубтало, кимгадир чипқон чиқибди.* М. Қориев, Ибн Сино.

Хафақон бўлмоқ 1) диққат бўлмоқ, сиқилмоқ; хуноб бўлмоқ. *-Бугун сени кўрмаганим учун жуда зерикиб, хафақон бўлиб ўтирган эдим, – деди Раъно Ҳафизага.* Мирмуҳсин, Умид; 2) қон босими ортиш касалига йўлиқмоқ.

ХАФАҲОЛ [*ф.* + *а.* خفه‌حال – хафалик ҳолати] Хафа бўлган, руҳи тушган, маъюс. *-Оллоназар, фойтунни келтир, – деди Исломхўжа фойтунчига қараб, хафаҳол қиёфада.* Ж. Шарипов, Хоразм. [*Гулзира*] *Хафаҳол бош эгиб чиқиб кетди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ХАФИФ [*а.* خفیف – кичик, енгил] *кт.* Майин, ёқимли. *Ажойиб баҳор куни. Хафиф, ёқимли шамол эсади..* Р. Комилов, Имтиҳон. *Булутларнинг оҳистагина сайридан сезилар-сезилмас хафиф бир шамол юриб, енгилгина бир изғирин ҳам юзга келиб тўқинар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХА-ХА-ХА *унд. с.* Хохолаб кулишни ифодалайди. *-Ха-ха-ха, шамол сиздан ўчимни олди, қани, гапиринг! – деди Раъно Анварга.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *-Ха-ха-ха.. – Фазлиддин Нурининг сўзларидан таъсирланиб, қаттиқ кулди, – отангга пул керак бўлса, биздан қарз олсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАХОЛАМОҚ Қаттиқ овоз чиқариб кулмоқ. *Шамси Тўраевич хахолаб кулди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Темур Малик хахолаб кулиб юборди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ХАХО-ТАРАЛА *с.т.* Хурсандчилик, хушчақчақлик. *Шу тариқа жами сайёҳлар: эру хотин, ёшу қари қий-чув, хахо-тарала билан оқшомгача кетма-кет ҳамма чўмилиб чиқади.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ХАЧИР От (бия) билан эшак (ҳанги)дан урчиган, юк ташувчи уй ҳайвони. *Подишо буларга ориқ хачирга мол-дунё ва йўл озиғини ортиб берибди.* «Зумрад ва Қиммат». *20-асрнинг 50-йилларидан бошлаб хачир Ўзбекистонда автомобиль транспортининг ривожланиши билан деярли йўқолиб кетди.* «ЎзМЭ».

ХАШАК [*ф.* خشک – қуруқ, қуриган, қуритилган] Қуритилган ўт-ўлан, пичан. *Қолаверса, қиш бўйи одамларга хашак керак.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бригадамиздан тўрт кишини.. хашак йиғишга жўнатишди.* Ш. Жўраев, Бола дунёни тебратар.

ХАШАКИ [*ф.* خشکی – қуриганлик, қурғоқчилик, қуруқлик; дағаллик, қўполлик] **1** Чорва учун озуқа, ем-хашак бўладиган. *Хашаки лавлаги. Хашаки жўхори.*

Хашаки тут Меваси уруғли, қора, қизғиш, оқиш, сарғиш рангларда бўладиган маҳаллий тут; чағир тут. *Хашаки тут тагида она-бола довон томонга кўз тутиб ётишарди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

2 Паст зотли, зотсиз, жайдари, маҳаллий. *Хашаки от. Хашаки товуқ.*

3 *кўчма с.т.* Оддий, содда, ҳамма қатори (одам ҳақида). *-Аҳмад полвон унақа сенлар ўйлаган хашаки болаларданмас, – деди Боқи.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

4 *кўчма* Жўн, асоссиз. *Айтган гапларининг ҳаммаси хашаки чиқиб, мажлис аҳлининг энсасини қотирди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ХАШАКЛАМОҚ *с.т.* Хашак емоқ. *От хашаклади.*

ХАШАКХОНА [хашак + хона] Хашак, пичан сақланадиган жой.

ХАШАК-ХУШАК Хашак, пичан, қуриган ўт-ўлан. *Ундан* [*қабрлардан*] *нарида томига сандал курси, машина баллони, хашак-хушак уйиб ташланган бостирма.* «Ёшлик».

ХАШТАК-ПАШТАК *айн.* **аштак-паштак.** *Ўрикдан турли усулда.. хаштак-паштак, баргак* [*олтингугурт тутуни билан дудлатиб*], *аъло даражада туршак қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ХЕЗ [*ф.* خیز – тик турувчи, кўтарилувчи; кўтарилиш, сакраш]: **хез қилмоқ** *фольк.* Ташланмоқ, сапчимоқ; ҳамла қилмоқ, хезланмоқ. *Қари чинорда пойлаб турган бургут Юнус парига хез қилди.* «Маликаи айёр».

ХЕЗЛАМОҚ 1 *фольк.* Тез ҳаракат билан олдинга интилмоқ, ташланмоқ; ҳамла қилмоқ; сапчимоқ, сакрамоқ. *Бедов отлар чув деганда хезлайди.* «Хушкелди». *Майдон кўрса, кийикдек бўб хезлайди, Душманга тишини доим тезлайди.* «Равшан». *Давлат қуши муяссардир бошингга, Душман хезлаб кололмайди қошингга.* Ислом шоир.

2 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ундамоқ, қистамоқ. *Хизир билан Бадбахт тоғин кўзлайин, Узоқларга Ғиркўкимни* [*отни*] *хезлайин.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ХЕЗЛАНМОҚ 1 Хезламоқ 2 фл. ўзл. н.

2 Уришиш, жанжаллашиш, ҳамла қилиш ҳолатида бўлмоқ. *-Бу уйда тариқчалик ҳаққинг йўқ. Минбаъд ҳаром сенга бу жойлар! – Каромат хезланиб, қўлини белига қўйганча, эрига пастдан қиё боқиб бақирар.. эди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *..Тўрабек бўлса ўша ерда ётган белкурак дастасини чиқариб, яқинлашиб кўрларинг-чи, дегандай хезланиб турибди.* М. Мансуров, Ёмби.

ХЕЛИ-ХЕШ [*а.* + *ф.* خیل‌خویش – яқинлар, қариндошлар гуруҳи] Қариндош, қариндош-уруғ. *Бул жойда йўқ хели-хешим.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ХЕМИ-, хемо- [*лот.* chimia < *а.* کیمیاء] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзнинг кимёга, кимёвий жараёнларга алоқадорлигини билдиради, мас., *хемосинтез.*

ХЕМОСИНТЕЗ [хемо.. + синтез] Микроорганизмлар томонидан оксидланиш реакциясида ҳосил бўлган энергия ҳисобига карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши ва органик бирикмаларнинг биосинтез қилиниш жараёни. *Хемосинтезнинг кашф қилиниши тирик организмларда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнининг асосий типлари тўғрисидаги тушунчани ўзгартириб юборди.* «ЎзМЭ».

ХЕМОСОРБЦИЯ [хемо.. + *лот.* sorbere – ютмоқ, ўзига сингдирмоқ] *ким.* Суюқлик ва қаттиқ жисмнинг атроф муҳитдан моддалар ютиши.

ХЕХЕЛАМОҚ «Хе-хе» каби овоз чиқариб кулмоқ. *Қози домла кулгидан четда қол-*

мади, калласини ликиллатиб, роса хехелади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХЕ-ХЕ-ХЕ *унд.с.* Хехелаган кулги товушини ифодалайди. *-Пари йигитга ошиқмисан? Хе-хе-хе! -Нега куласан, Гулшан опа?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХЕШ [*ф.* خویش – ўз, ўзи; қариндош, яқин киши] *шв.* Қариндош, қариндош-уруғ, қавм-қариндош; яқин одам. *Ёлғиз экан, сочсоқоли оқ, На ўғли бор, на қиз, на ёр, хеш.* Миртемир. *Ёқубжон айтган киши аллақачон оламдан ўтган экан.. Қайдан келганини, кимнинг хеши эканини билмас экан.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХЕШ-АҚРАБО, хешу ақрабо [хеш + ақрабо] *кт.* Қариндош-уруғлар, уруғ-аймоқлар, қавм-қариндошлар; яқин кишилар. *Бир ҳафта ўтгач, хеш-ақрабою таниш-билишлар бешик тўйига чорланди..* «Ёшлик». *Ҳол сўргани яна хеш-ақрабо, ёр-дўст, ҳамсоялар киришди.* С. Сиёев, Аваз.

ХЕШЛИК Қариндошлик, қариндош-уруғлик муносабати. *Ўртақўрғонга ўзингиз бориб келасиз, ўртоқ Яхшибоев, мен борсам, эришроқ туюлади, ҳар қалай, рафиқангиз боис хешлиги бор.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХИ *айн.* **хих.**

ХИВИЧ Ҳўл, узун новда, хипчин. *Бўтабой тол хивичини ўйнаб, хиргойи қилиб келарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Гулчеҳра «ҳим», деб ўрнидан турди, ташқарига чиқиб, йўғон хивич топиб, уйга кирди.* «Саодат». *Аёз, тарайман, дер ўжарлик билан Тутларнинг тиккайган хивичларини.* А. Шер.

ХИВИЧЛАМОҚ Хивич билан урмоқ, саваламоқ.

ХИЁБОН [*ф.* خیابان – бульвар, хиёбон] Икки томонига қатор дарахт, бута ва гуллар ўтқазилган йўл ёки йўлка; сайргоҳ. *Асфальт кўчаларда юксак бинолар, Икки чет хиёбон, арғувон тип-тик.* F. Fулом. *Хиёбондаги дарахтларнинг япроқларида йиғилган томчилар тўкилиб тушди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ХИЁЛ [*а.* خیال] *рвш.* **1** Билинар-билинмас даражада; озгина, бир оз. *Яхшибоевнинг ранги хиёл оқарган эди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Қўчқор келиб кетгандан кейин, Машрабнинг миясида бурғидай айланган оғир ўйлар сал тарқаб, хиёл енгил тортди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Орадан хиёл фурсат ўтиб, қўнғироқ жиринглади.* С. Нуров, Нарвон.

ХИЁНАТ [*а.* خیانت – макр, ҳийла; хоинлик, мунофиқлик, вафосизлик] Аҳдни бузиш, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини суиистеъмол қилиш. *Макру ҳийла ва хиёнатнинг жойи дўзахдир.* «Фан ва турмуш». *-Мени хиёнат йўлига бошламоқчимисан? – дедим қалтираб.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Хиёнат қилмоқ 1) аҳдини бузмоқ, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини суиистеъмол қилмоқ. *Омонатга хиёнат қилма.* Мақол. ▬ *Оддий пахтакор аввал қандай ишлаган бўлса, ҳамон шундай. Пахтага ҳеч қачон хиёнат қилмайди.* «Саодат»; 2) ёри ёки севгилисига нисбатан вафосизлик қилмоқ, бошқага, бегонага кўнгил бермоқ. *[Умиднинг] Баъзан юраги орзиқиб тушарди: кимдандир эрига хиёнат қилиб юрадиган бир аёлни эшитган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ХИЁНАТГАР [*а.* + *ф.* خیانتگر – хиёнат қилувчи] *эск. айн.* **хиёнатчи.**

ХИЁНАТГАРЛИК Хиёнат қилишлик. *Қилиб зотингдаги найрангни охир, Хиёнатгарлигинг кўрсатдинг охир.* Ҳабибий.

ХИЁНАТКОР [*а.* + *ф.* خیانتکار – хиёнат қилувчи] *айн.* **хиёнатчи.** *Танқид кўриб, хиёнаткорнинг димоғи куйди, Ўт тушди режасига, қўйган тузоғи куйди.* С. Абдулла. *Хиёнаткорнинг дўсти бўлиб танилган Султоналининг ҳам ҳаёти таҳлика остида турадир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХИЁНАТКОРЛИК Хиёнат қилишлик. *Хиёнаткорлик қилмоқ.*

ХИЁНАТКОРОНА [*а.* + *ф.* خیانتکارانه – хиёнаткорлик билан, хиёнат қилган ҳолда] *рвш.* Хиёнатчиларга хос; хиёнаткорларча. *Хиёнаткорона ҳужум.* ▬ *Булутлар орасидан ой хиёнаткорона мўралади, «Ҳой уятсизлар, ҳаддиларингиздан ошманглар», дегандай илжайиб, атрофни ёритди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

ХИЁНАТЧИ 1 Аҳдида турмайдиган, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини суиистеъмол қиладиган киши; алдоқчи, муттаҳам. *Унинг* [*Ҳамзахўжаевнинг*] *олдида уч йўл бор. Биринчиси – хиёнатчиларнинг патини тўзғитадиган ҳамлага ўтиш.* «Муштум».

2 Сотқин, хоин. *Чиғатой ўз аскарларидан кўра шаҳар ичидаги хиёнатчиларга кўп умид боғлар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ХИЁНАТЧИЛИК *кам қўлл. айн.* **хиёнаткорлик.** *Хиёнатчилик позицияси.*

ХИЖИЛ [*а.* خجل – ор, номус, уят, уялиш; уятчанлик, тортинчоқлик] Хижолатда қолган, кўнгли ғаш. *Бир уятчан йигит бетоб ётган қайнотасиникига уялиб бормай юрар ва бундан ўзи ҳам хижил эди.* А. Муқимов, Ҳол сўраш.

Кўнгли хижил бўлмоқ (*ёки* **тортмоқ**) Бирор нарсадан хижолат бўлмоқ, безовталанмоқ, нотинч бўлмоқ. *Улар [Озод билан Қаҳҳор] тинчиб, ўринларига ётишганда, Озод нимадандир кўнгли хижил бўлаётганини сезиб қолди.* «Ёшлик». *Шу онда кўз олдига томоғини боғлаган Ёқут келди-ю, кўнгли хижил тортди.* А. Абдуллаев, Бизнинг йўлимиз. **Кўнглини хижил қилмоқ** Хижолатга солмоқ, ноқулай аҳволга солмоқ, ғаш ёки нотинч қилмоқ. *Кечадан бери кўнглимни хижил қилаётган ташвишларни бир зумда унутгандек бўлдим.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ХИЖИЛЛИК Хижил бўлиш, ғашлик, нотинчлик. *Дала ҳавоси димоғига урилиши билан кўнглидаги хижиллик офтоб тафтида эриган қировдай ҳовурга айланиб кетди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ХИЖОЛАТ [*а.* خجالت – уят, уялиш] Уятдан ўзини ноқулай, ўнғайсиз сезиш; уялиш ҳисси. *Ошно хижолатдан қизарди.* М. М. Дўст, Лолазор. *-Вой, мени деб лойга беландингиз, – деди аёл хижолат билан.* С. Аҳмад, Уфқ.

Хижолат бўлмоқ (*ёки* **тортмоқ, чекмоқ**) Бирор нарсадан уялмоқ, ўнғайсиз, ноқулай ҳолга тушмоқ. *Ғафур аканинг олдида бундан бир оз хижолат бўлдим.* Шукрулло, Сайланма. *Али полвоннинг бу гапидан хижолат тортган Эш полвон унга зардали қараб олди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Норқўзининг бундай мақтовини эшитган Феруза.. хижолат чекди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. **Хижолат қилмоқ** *ёки* **хижолатга қўймоқ** Бировни уялтирмоқ, ўнғайсиз, ноқулай ҳолга туширмоқ. *Баҳодир ножўя ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ ўкинар, лекин иш ўтган эди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. **Хижолатда қолмоқ** Ўнғайсиз, ноқулай ҳолатда қолмоқ, уялиб қолмоқ. *Элмурод хижолатда қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХИЖОЛАТЛИ 1 Хижолат ёки уялиш билан; хижолат бўлган ҳолда *-Маматвой иним, – гап бошлади у хижолатли оҳангда..* «Ёшлик». *Азизхон хижолатли овоз билан деди: -Мен эдим, ая. Мен эдим.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Кишини уялтирадиган, ноқулай аҳволга соладиган. *Машина зарур бўлиб қолса, хижолатли иш бўлмасин.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХИЖОЛАТЛИК 1 Хижолат бўлиш, ноқулай аҳволда қолиш. *Умматали боласини хижолатликдан чиқариш учун гапни бўлишга уринарди..* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *айн.* **хижолат.** *-Яна кўнгилларига бошқа гап келмасмикан? – деди хижолатлик билан Адолат.* С. Зуннунова, Гулхан.

ХИЖОЛАТОМУЗ [хижолат + *ф.* آمیز – ўхшаш, каби] Хижолат бўлган ҳолда, хижолат бўлиб, хижолат тортиб. *Матпано боядан бери хижолатомуз ўтирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ниҳоят, холи қолишгач, Гулчеҳра хижолатомуз жилмайиб, секингина деди..* «Саодат».

ХИЖОЛАТПАЗЛИК *с. т.* Хижолат. *У* [*Салима*] *бу масалада фақат акасининггина эмас, ўзининг ҳам айбдорлигини сезиб, хижолатпазликдан терлаб кетди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Турғунов ўзини билмаганга олган бўлса ҳам, Бўрибой хижолатпазлик билан илжайиб, ёлғонлади: -Меҳмон келган экан.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ХИЗМАТ [*а.* خدمت – хизмат; иш, лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам] **1** Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат. *Бир кун эшон мени.. чақириб: -Ўғлим, – деди, – мана энди бизга анча хизматинг сингди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Юрт, ҳукумат асло бу хизматларингни унутмайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Агар менинг бу хизматим хон жанобининг марҳаматига лойиқ кўрилар экан, – деди ҳожи, – менга энг манзур бўлган мукофот ўғлимнинг озод қилинишидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Хизмат қилмоқ 1) иш, юмуш қилмоқ. *Бу эса елиб-югуриб хизмат қилиб юрган Обидовнинг кўнглига ғулғула олди.* Газетадан; 2) бирор муассаса, корхонада ишламоқ. *У институтда хизмат қилади;* 3) муайян вазифани бажармоқ, керак бўлмоқ. *«Бобурнома» даги маълумотлар ҳозирги замон фани учун ҳам хизмат қилади.* «Фан ва турмуш».

2 Бировга ёрдам кўрсатиш; холисона қилинган иш; ёрдам; яхшилик. *Бу хизматингни сира унутмайман. Элга хизмат – олий*

ҳиммат. Мақол. ▬ *Элга хизмат қилиб, болам, дуо ол.* «Маликаи айёр». *То ўлгунча, ота, қилай хизматинг, Қилган хизматларим — сенинг иззатинг.* «Маликаи айёр».

3 Бирор ташкилот, муассаса ёки корхонада бажариладиган иш, вазифа; лавозим; шундай жойда ишлаш. *Биринчи ноябрда бўлса керак, «Муштум» хизматига киришганман.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Сиз, оғайнилар, илгари хон ёнида қандоқ хизматда бўлган бўлсаларингиз, энди ҳам ўша вазифада қолаберасизлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У* [*Аҳрор халфа Фузайилхонов*] *шу ердаги хизматга кириб, кейинчалик секин-аста биринчи синф ўқитувчиси бўлиб олди.* «Муштум».

Хизмат ҳақи Бирор иш ёки топшириқни бажаргани учун бериладиган ҳақ. *Мана, Мутал полвон, ҳозирча оз бўлса ҳам, шуни олиб турасиз, аммо хизмат ҳақингиз ўз йўлига бўладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Иш, топшириқ, вазифа. [*Ҳомид:*] *Кишининг хизматидан қочган одам эмасман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сизга оғир келмаса, бир хизмат топширмоқчиман, уста!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Хизматингизга тайёрман Нима иш буюрсангиз, бажараверaман, буйруғингизга мунтазирман. [*Шофёр йигит:*] *Хизматингизга доим тайёрмиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

6 Сўроқ оҳанги билан айтилиб, «Менда нима ишингиз бор?» деган маънони билдиради. *-Хўш, ўртоқ Дўсматов, хизмат? — деди Давлатёр.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Хизмат? — деди у* [*Акрам*] *юмшоқ креслонинг суянчиғига ўзини ташлаб, Нигорага тикилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

7 *с.т.* Армия сафида бўлиш, ҳарбий мажбуриятни ўташ. *Хизматга чақирилмоқ.* ▬ [*Ота-оналар*] *Бундан бир ёки икки йил илгари аскарликка узатган ва хизматини тугатиш олдида урушга тўғри келиб, ҳозир жанг қилаётган болаларни эсладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

8 Армия таркибидаги айрим ихтисослашган соҳалар ёки тармоқлар. *Алоқа хизмати. Тиббиёт хизмати. Разведка хизмати.*

Хизмат кўрсатган Меҳнати эътироф этилган кишиларга бериладиган фахрий унвонлар таркибида ишлатилади. *Хизмат кўрсатган ўқитувчи. Хизмат кўрсатган фан арбоби. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.* **Хизмат кўрсатмоқ** Кишилар эҳтиёжини, талабини қондириш билан боғлиқ бирор иш қилмоқ. *Маданий хизмат кўрсатмоқ.* **Хизматда (***ёки* **хизматингизда) бўлайлик** Бирор кимсани меҳмондорчиликка таклиф қилганда, илтифот юзасидан айтиладиган ибора. *Мулла Ғулом, бугун хизматда бўлайлик, қўл бўшади дегунча тўғри келаверасиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХИЗМАТДОШ Бирга хизмат қиладиган кишилар (бир-бирига нисбатан); ҳамкасб. *Кўчада хизматдош дўстларни учратиб қолдим.* ▬ *Ишдан кейин гоҳо ўзига ўхшаган хизматдошлари билан кўчанинг нариги бетидаги.. қаҳвахонага ўтиб, андак шакаргуфторлик қилади.* Э. Аъзамов, Жавоб.

ХИЗМАТКАШ [*а.* + *ф.* خدمتکش — иш, меҳнат қилувчи] **1** *айн.* **хизматкор.**

2 Ишдан қочмайдиган, ишни яхши бажарадиган; ишчан, меҳнаткаш. *Хизматкаш йигит.*

ХИЗМАТКОР [*а.* + *ф.* خدمتکار — хизмат қилувчи] **1** Бировларнинг шахсий хизматини, уй ишини қилувчи киши. *Бу асар бир пардалик фожиа бўлиб, унда бир золим бойнинг йигирма йиллик мўйсафид бир хизматкорига сўнг вақтда қилган жабр ва зулми тасвир қилингандир.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Халқ ёки жамият манфаати учун хизмат қилувчи. *-Йўлингга кўз тикар, тикар албатта. Улғайсанг, ўқиб, бўл элга хизматкор!* М. Алавия.

ХИЗМАТКОРЛИК Хизматкор бўлишлик. *Хизматкорликка Йўлчибойни сўрамоқчиман. У синалган одам, сан нима дейсан?* Ойбек, Танланган асарлар.

ХИЗМАТОНА [*а.* + *ф.* خدمتانه] *кам қўлл.* Хизмат учун тўланадиган ҳақ. *-Бизнинг вазифамиз, мана шу шартларга биноан.. хизматона ва ширинкома олишдир, — деди* [*ноиб*]. С. Айний, Судхўрнинг ўлими. [*Эшон қози*] *Мазкур ҳаққи хизматонани астагина ёнларига солдилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ХИЗМАТЧИ 1 Бирор идора ёки корхонада ёзиш-чизиш билан шуғулланувчи киши; ходим. *Унинг ижтимоий келиб чиқиши — хизматчи.* ▬ *Идора хизматчиларининг бир мажлисида Сулаймоновни роса сулайтиришди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. *Бирлашма хизматчилари таркибига*

стоматологларнинг киритилиши тасодифий чора эмас. Газетадан.

2 Умуман, меҳнаткаш киши; ишчи. *Улар темир йўл хизматчилари эди.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Қилинадиган ишнинг бир хиллиги хизматчини толиқтиради, аксар, анчагина куч сарф этишни талаб этади.* «Фан ва турмуш».

3 *айн.* **хизматкор.** *Мулладўст — 54 ёшда, шўхтабиат.. кўнгилчан бир киши. Қозининг хизматчи ҳам мулозими.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ХИЗР [*а.* خضر — «яшилланмоқ, яшил тусга кирмоқ» фл. дан] (Х — *катта*) *дин.* Ислом ривоятларида зикр этилган, ҳаёт булоғидан «оби ҳаёт» ичиб, умри боқий бўлган тақводор шахс; оғир аҳволда қолган кишиларга чол, сувори ёки йўловчи кўринишида учраб, уларнинг мушкулини осон қилади. *Хизр назар қилмаса, эшак бозорга даллол ҳам бўлолмайсан.* Мақол. ▬ *Юрган киши баланд тоғлардан ошар, Хизр назар қилган ҳам кўп узоқ яшар.* «Эрали ва Шерали».

Хизрни йўқласам (ҳам) бўлар экан Сўзловчи йўқлаб ёки истаб турган одам тасодифан келиб қолганда айтиладиган ибора. -*Хизрни йўқласанг бўлмасмиди, — деди Тўлаган кулиб.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

ХИЙЛА [*ф.* خیلی — кўп, ортиқ] **1** *рвш.* Маълум даражада, бирмунча, анча. *Беморнинг соғлиги хийла яхшиланди. У сендан хийла ёшроқ.*

2 Бирмунча фурсат, анча вақт. *Биз бекатда хийла кутиб қолдик.* ▬ *Эргаш ота хийладан кейин келди.* О. Ёқубов, Қаҳрамон излаб.

ХИЙЛИ [*ф.* خیلی] *с.т. айн.* **хийла**. *Ватан фарзандлари қалбининг кучи Атомлар сиридан хийли буюкдир.* Ғ. Ғулом.

ХИЛ [*а.* خیل — хусусият, сифат] Бирор нарсанинг нави, тури; зот, жинс. *Икки хил фикр. Атласнинг етти хил ранг жилоси.* ▬ *Лекин Карим Тоиров дегани ҳам бўш келмайдиганлар хилидан экан.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Ичимликларнинг қайси хилидан сўрасангиз — тайёр.* С. Зуннунова, Олов. *Дилдор қошларини, елкаларини учириб, минг хил муқом билан қўшиқ айтарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Бир хил 1) бир турли; ҳар жиҳатдан тенг. *Кунлар бир хил, кунлар зерикарли.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Тош кўзага тушсаям, кўза тошга тушсаям, оқибат бир хил — тош синмайди, кўза синади.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) айрим, баъзи, баъзи бир. *Кўп лашкар вағирлашди, Тоғларнинг қуши учди. Қўрқоқнинг ҳуши учди, Бир хили отдан тушди.* «Юсуф ва Аҳмад». **Бир хил бўлиб кетмоқ** Тўлқинланмоқ, ҳаяжонланмоқ; ўзини ноқулай сезмоқ. *У бўйинбоғини боғларкан, хотинига разм солиб, кўнгли бир хил бўлиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Хил тушмоқ (***ёки* **келмоқ)** Бир-бирига мос келмоқ, мос тушмоқ. *Кўп ўтмай* [*Набижон билан раиснинг*] *ораларидан ола мушук ўтадиган, гаплари гапларига хил келмайдиган бўлиб қолди.* Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

ХИЛВАТ [*а.* خلوت — ёлғизланиш, ёлғиз қолиш; махфий, пана жой; чекка, овлоқ жой] **1** *сфт.* Одамлардан, кўздан йироқ, ҳеч ким кўрмайдиган, одам кам бўладиган; пана, овлоқ, чекка. -[*Чол*] *Биз билан хилват уйда гаплашди, — деди Усмон.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Усмонбек Ўратепа қозисига қарашли хилват ва дабдабали уйда ёлғиз, дарича ёнида ўтириб, Туркистоннинг ҳарбий картасини кўздан кечирмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Имтиҳон ҳафтаси кириши билан факультетда хилват бурчак қолмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Кейинги якшанба борилган жой ҳақиқатан салқин, хушҳаво, хилват ер экан.* С. Абдулла, Ўртоқ Холназаров.

2 *от* Тинч, осуда жой. [*Ҳусайн:*] *Дўстим, ёшлигимизни замон олиб кетди.. қолган умримизни хилватда ва фароғатда ўтказайлик.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Хилват қилмоқ Панада суҳбат қурмоқ, гапиришмоқ.

ХИЛВАТГОҲ [*а.* + *ф.* خلوتگاه — чекка, пана жой] Хилват жой; овлоқ, чекка жой. *Хилватгоҳда яшамоқ.* ▬ *Кимсасиз бу хилватгоҳлар қўйнида турли-туман кемирувчи, емирувчи, ўрмаловчи, думалаб юрувчи жондорларнинг изи жуда кўп.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ХИЛВАТНИШИН [*а.* + *ф.* خلوتنشین — хилватда ўтирувчи] *эск. кт.* Хилватда яшашни севадиган, хилватда якка-ёлғиз яшайдиган одам.

ХИЛВАТХОНА [хилват + хона] Хилват ёки овлоқ жойдаги уй, бино; махфий кенгаш хонаси. *Кечқурун султон.. Маждиддинни хилватхонага чақиртирди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ХИЛЛАМОҚ 1 Хилларга, навларга ажратмоқ. *Қовунларни хилламоқ. Пиллани хилламоқ.*

2 Танлаб олмоқ, саралямоқ. *Гулларни хилламоқ.* ▬ *Мактаб ташкилотларини қўлга олгандан кейин, ўқувчи ва муаллимларни хиллаш керак бўлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ХИЛЛИ Навли, турли. *Кўп хилли.*

ХИЛМА-ХИЛ Ҳар хил, турли-туман. *Очилмиш хилма-хил гуллар, топиб зийнат хиёбонлар.* Ҳабибий. *Кампир куёвини ҳамиша шундай кутадими ёки Нусратбек келгани боисми, таом анча кўп ва хилма-хил эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ХИЛМА-ХИЛЛИК Ҳар хиллик, фарқ. *Имлодаги хилма-хиллик. Фикрлар хилма-хиллиги.*

ХИЛОНДОН *эск.* Ичига соқолтароқ, қайирма пичоқ, тишковлагич каби буюмлар солиб, белбоққа осиб юриладиган, чармдан ясалган кичик сумка. *Қўлида ўша ўзинг кўрган хилондони, оёғида нағмалик этик!* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ХИЛОФ [*а.* خلاف — қарама-қаршилик; келишмовчилик; зиддият; тафовут] Зид, қарама-қарши, тескари. *Қоидага хилоф ҳаракат. Интизомга хилоф равишда.* ▬ *Бировникини олиш шариатга хилоф, мусулмонлар!* «Шарқ юлдузи».

Хилофи шаръий Шариат, дин кўрсатмаларига зид, қарши. *Мана шундай хилофи шаръий ишларингизнинг касофатидан бундай кунларга тушдингиз.* С. Айний, Қуллар.

ХИЛТ [*а.* خلط — чалкашлик, ноаниқлик; аралашма] **1** *тиб. эск.* Одам организми таркибидаги тўрт модда (қон, балғам, сафро, савдо)нинг бири.

2 Организмдаги турли моддалар.

ХИЛ-ХИЛ *айн.* **хилма-хил.** *Кўзни алдар хил-хил бўёқлар..* Миртемир.

ХИЛХОНА [*а. + ф.* خیل‌خانه — хайли хона: бир хона аҳли, одамлари] Қабристоннинг бирор уруғ-авлодга ёки маҳаллага, ўзига қарашли марҳумни дафн этиш учун ажратилган бир бўлаги, бир қисми. *Чиғатой кўчасин сўл томонида Ўтсангиз муқаддас хилхона тараф. Саноқсиз қабрлар ғаладонида Ётибди Отелло — у буюк араб.* А. Орипов. *Лекин онам: -Йўқ, мен бу жойни ташлаб кетолмайман. Бу ерда ота-боболарим ўтган. Хилхонамиз шу ерда, — дер эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ХИЛЪАТ [*а.* خلعت — туҳфа, инъом қилинган уст кийим] **1** *эск. кт.* Одатда инъом, ҳадя қилинадиган қимматбаҳо тўн. *Дуодан кейин ҳудайчи икки тўн келтириб, кимхобни домла Ниёзга ва қора бахмалдан тикилган мирзабошилик хилъатини Анварга кийдирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *эск.* Умуман, тоза кийим, либос. *Ажаб хилъат ярашган қомати зеболаринг бордир.* Муқимий. *Хилъати раъно, бўйи зебо гулистоним мени.* Фурқат.

ХИЛҚАТ [*а.* خلقت — табиат; ташқи кўриниш; тузилиш; шакл] *кт.* Яратилган, бунёдга келган нарса ёки кимса. *Бунчалар сирлисан, о қаттол олам, Бунчалар бедилсан, бепоён хилқат.* А. Орипов. *Бемор менга узоқ тикилиб турди. Худди мени биринчи кўраётгандай, ажиб хилқатга тикилаётгандай томоша қилди.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

ХИ́МИК *қ.* **кимёгар**. *Химик олим.*

ХИМИ́К *қ.* **кимёвий.** *Химик реакция.*

ХИМИКАТ [«химия» с. дан] Кимёвий усулда тайёрланган препаратлар, кимёвий моддалар. *Учувчи унинг* [*Қудратнинг*] *устидан заҳарли химикат — бутифос сепмоқда.* «Ёшлик».

ХИМИЯ [*лот.* chimia < *а.* كيمياء — кимё] *қ.* **кимё.** *Органик химия.*

ХИМИЯВИЙ *қ.* **кимёвий**. *Химиявий маҳсулотлар. Химиявий препарат. Химиявий қуроллар.* ▬ *Натрийнинг химиявий активлиги калийникидан устунроқ.* «Фан ва турмуш».

ХИНА [*а.* حناء — хина] **1** Дербендошларга мансуб буталар ёки дарахтчалар туркуми; шу туркумга оид қизғиш гулли ўсимлик. *Ариқ бўйидаги.. кичикроқ супа атрофида райҳон, намозшом, хина гуллари барқ уриб ётарди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шу ўсимликдан олинадиган, қўл, тирноқ, сочни бўяш учун ишлатиладиган қизғиш-сариқ рангли бўёқ. *Ингичка белларинг тасма, Қўлда хина, қошда ўсма.* «Эрали ва Шерали».

Ҳайитдан кейин хинани кетингга (*ёки* **орқангга) қўй** (аввалги пайтда қўл ва оёқ бармоқларига, кафтга хина кўпинча ҳайит арафасида қўйилган) *с.т.* Ўз вақтида қилинмаган иш, кўрилмаган чора-тадбир ҳақида айтиладиган ибора.

ХИНАГУЛ Манзарали ўсимлик сифатида экиладиган, оқ, пушти, қизил рангда гуллайдиган бир йиллик ўт ўсимлик.

ХИНАЛАМОҚ Хина билан бўямоқ. *Тирноқларни хиналамоқ.*

ХИНАЛИ Хина қўйилган, хина билан бўялган. *Келинг, икков кўришайлик Ноз хинали қўл билан.* «Қўшиқлар».

ХИНЗИР [*а.* خنزير – чўчқа] *эск. кт.* Чўчқа, тўнғиз.

ХИНИН [*ингл.* quinine < *кечуа тилида:* kina – пўстлоқ, пўст, қобиқ] Тиббиётда безгакка қарши препарат сифатида қўлланувчи, хин дарахти пўстлоғидан олинадиган алкалоид.

ХИНО *кт. поэт. айн.* **хина 1, 2**. *Бодайи гулгун ичиб, рангим хино қилмоқчиман.* Ҳабибий. *Мен жим ётарману қирда ё жарда Ва йиғлаб ўпарман қўлинг хиносин.* М. Юсуф.

ХИППА *рвш.* **1** Батамом, узил-кесил. *Мақсуд қори ортиқ гапиролмади, йиғи келиб, томоғини хиппа бўғиб қўйганди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Жон-жаҳди билан, бирдан. *Икки ёндан келган икки киши уни хиппа ушлади.* «Шарқ юлдузи».

ХИПЧА Ингичка, нозиккина; келишган. *Алёнка қамишдек хипча бел, чиройли бир қиз эди.* М. Осим, Элчилар. *Сочинг сунбул, хипча келгандир белинг.* «Нигор ва Замон». *У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йигитларникидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Хипчадан келган Бели ингичкароқ, нозикроқ; озғинроқ. *Почтальон хипчадан келган, юлдузи иссиққина ўспирин эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ХИПЧАЛАШМОҚ Хипча бўлмоқ, нозиклашмоқ; ингичкалашмоқ. *Кимсан Султонпошшанинг киртайган кўзларини, ориқлаб, хипчалашиб қолган гавдасини кўз олдига келтирди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ХИПЧИН *айн.* **хивич.** *Олимжон нуқул ҳўкизларини хипчин билан савалар эди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Файзулла учиб келади-ю, душманнинг калласига қўлидаги хипчин билан бир туширади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХИПЧИНЛАМОҚ *айн.* **хивичламоқ.**

ХИРА [*ф.* خيره – қоронғи, қора; ожиз, қўрқоқ; ҳайрон, саргашта; ботир, жасур; беҳаё, сурбет, шилқим; хумор, ғамгин (кўз)] **1** Ёруғ, равшан эмас; нурсиз. *Хира ёруғ унинг юзини бир дамгина ёритади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Шифтга илинган тошчироқ чайла ичини хира ёритиб турарди.* «Ёшлик».

2 Тиниқ, шаффоф эмас. *Хира сув.* ■ *Трамвайнинг хира ойнасидан бўш вагонда ўтириб кетаётган кондуктор лип этиб бир кўринишдаёқ Зайнабнинг бутун хаёлини ўғирлаб кетганини билармикан?* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

3 Ноаниқ равишда; яққол кўзга ташланмайдиган. *Шундан сўнг улар ҳув олисда кўзга хира ташланиб турувчи сарбаланд тоғлар томон юриб кетишди.* «Ёшлик».

4 Яхши кўролмайдиган, кўриш қобилияти паст. *Мана шундай маънoли Бувим айтган сўзлари. Электрдан нур олар Энди хира кўзлари.* З. Диёр. *Оқсоқолнинг хира кўзлари чақнади, аччиғи келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *кўчма* Жаранглаб чиқмайдиган, хириллаган (овоз ҳақида). *Хира овоз.* ■ *-Болам, қорнинг тўқ экан, овозинг хира чиқди, – деди дадаси.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 *кўчма* Ғашга тегадиган; шилқим, сур. *-Бўлди! Мунча хира пашшага ўхшаб ғинғиллайсан! – деди у зардаси қайнаб.* «Ёшлик». *Хира меҳмон шунда ҳам нари кетмади: -Лекин мен бугун шу ерда тунашим керак.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

7 *кўчма* Ноаниқ; чигил. *Хира ўйлар юрагини ғаш қилар эди.* «Ёшлик».

8 *кўчма* Кишини хурсанд қилмайдиган, кўнгил тўлмайдиган; камчилиги бор. *Ютуқларимиз кўп. Бироқ ишимизнинг айрим хира томонлари ҳам бор.* Газетадан.

Кўз(и) хира тортмоқ Кўриш қобилияти пасаймоқ. *Кўзим хира тортганми, билмайман, уни зўрға танидим.* «Ёшлик». **Кўнгли (***ёки* **таъби) хира** Юраги ғаш, нотинч. *Бироқ Саломат опа чойга уринганда, яна бирдан кўнгли хира бўла бошлади.* А. Мухтор, Ҳаётга чақириқ. *Кўнгли ғаш, таъби хира бўлиб ётган Гулхайри ичкари хонага ўтиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Хира тортмоқ** Ёруғлиги, нури камаймоқ. *Ой ҳам бутунлай хира тортиб, уфққа ёнбошлади.* А. Мухтор, Кумуш тола. **Хира қилиб ётмоқ** Бирор жойнинг кўркини бузиб, банд қилиб ётмоқ. [*Тўнка*] *Ётарди хира қилиб Ҳовлимиз бир бурчини.* Қ. Муҳаммадий.

ХИРАД [*ф.* خرد – ақл, идрок, эс, фаҳм] *эск. кт.* Ақл, заковат; донолик.

ХИРАДМАНД [*ф.* خردمند – ақлли, эсли; доно] *эск. кт.* Ақлли, донишманд. *Топиб илму хирадга пайванд, Ҳам олим эди-ю, ҳам хирадманд.* Алишер Навоий.

ХИРАЛАНМОҚ 1 Ўз шаффофлигини, тиниқлигини, равшанлигини йўқотмоқ; хира бўлиб қолмоқ, хиралашмоқ. *Қуёш ботди, оқшом чўкди далага, Хираланиб келар қўриқ этаги.* Ғ. Шоди.

2 Кучсизланмоқ, заифлашмоқ, нур сочиш, ёритиш даражаси камаймоқ, яхши кўринмайдиган бўлиб қолмоқ. *Туман қуюқлашиб, ой хираланди.* ▬ *Юлдузлар хираланиб, жимгина сўнаркан, Шокир ота унинг қўлидан тутиб, куч билан судраб етаклади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сийрак оқ булут орқали хираланиб кўринган қуёш ғарбга қараб юмалай бошлаган бир пайтда отлиқлар қишлоққа кириб келиб, ўзларини ўраб олган одамлардан оқсоқолни сўрадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кўриш қобилияти пасаймоқ, яхши кўролмайдиган бўлиб қолмоқ; хиралашмоқ. *Эртак эшитишга қизиққан боладек* [*Элмурод*] *чолнинг.. хираланган кўзларига тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *кўчма* Бировни зериктирадиган, ғашига тегадиган даражада ҳаракат қилмоқ, хиралик қилмоқ; шилқим бўлмоқ. *Бола хираланиб, онасига ёпишарди.* Газетадан.

ХИРАЛАШМОҚ *айн.* **хираланмоқ.** *Бу орада туман тушди. Юлдузлар хиралашди.* «Ёшлик». *Онанинг кўзлари ёшдан хиралашиб, ўғлини овутди..* С. Нуров, Нарвон.

ХИРАЛИК 1 Бирор нарса, буюмнинг тиниқ, равшан эмаслиги. *Шишанинг хиралиги. Кўзнинг хиралиги.*

2 *кўчма* Шилқимлик, ғашга тегиш. *Хиралик қилмоқ.* ▬ *Хайрият, Раҳматов ортиқ хиралик қилмади, тансиҳатлик тилаб, секин чиқиб кетди.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 *кўчма* Безовталик; нохушлик; ғашлик. *Топиволдининг кўнглидаги хиралик бир оз тарқалгандек бўлди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ХИРАХАНДОН [*ф.* خیره‌خندان – бекордан-бекор, бежо кулаверадиган] Ўз хурсандчилиги учун бошқаларга озор берадиган; шилқим; безори. *Мушукларни қийнаб, товуқларга тош отиб ўйнайдиган хирахандон болалар бўлади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ХИРГОЙИ Паст овоз билан айтиладиган ашула. *Узоқдан қизларнинг хиргойиси эшитилди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ХИРИЛДОҚ *айн.* **хириллоқ.** *Анчадан кейин ичкаридан: -Савдо йўқ, дўкон ишламайди, – деган хирилдоқ овоз эшитилди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

ХИРИЛЛАМОҚ Хир-хир овоз чиқармоқ, хир-хир қилмоқ. [*Алимардон Тўраев*] *Пул учун дунёнинг нариги чеккасига боришдан ҳам тоймас, тўйларда тонготар ашула айтиб, хириллаб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Аввало моторнинг овози ўзгарди, хириллади, кейин бутунлай ўчди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ХИРИЛЛАШ 1 Хирилламоқ фл. ҳар. н.

2 *тиб.* Нафас йўлларининг торайиши ёки уларда патологик ҳолат бўлиши натижасида юзага келадиган нафас шовқинлари.

ХИРИЛЛАШМОҚ 1 Хирилламоқ фл. бирг. н. *Итлар бир-бирига хириллашди.*

2 *кўчма с.т.* Биров билан уришмоқ, айтишмоқ; жанжаллашмоқ. *[Йўлчи] Ҳозир унинг назарида оламда энг паст ва разил кўринган Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашиш, ёқа бўғишишни ўзига ор билади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХИРИЛЛОҚ Хириллайдиган, «хир-хир» қиладиган (овоз, товуш ҳақида). *Зиндоннинг қопқоғи очилиб, «Чиқ, сени қўрбоши жаноблари йўқлаяптилар», деган хириллоқ овоз эшитилди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Фақат қандайдир хириллоқ ун чиқади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

ХИРМОН [*ф.* خرمن – дон ёки янчилмаган буғдой уюми; буғдой тўкилган жой] **1** Йиғиб-териб олинган экинлар ҳосилини тўплаш учун ажратилган жой, майдонча. [*Уста амаки*] *Жўхори ери ёнидаги буғдойи ўриб олинган бир ерни кўрсатиб, у ерни хирмон жойи қилишга маслаҳат берди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Вали ака ўғлига хирмон қилинадиган жойни кўрсатиб, ўзи теримчиларни Мадаминхўжанинг пахтазорига.. бошлаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шундай жойга янчиш, тозалаш ёки қуритиш учун келтирилган маҳсулот (ғалла, пахта ва ш.к.). *Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир.* Мақол. *Ишга қўним – хирмонга унум.* Мақол. ▬ *-Сизнинг ўроғингизни ўрган, хирмонингизни янчган.. чексиз хўрланган бир инсонни биламан, – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кўп миқдорда тўплаб қўйилган, уйиб ташланган нарсалар. *Шайх Исмоил ҳам ким-*

гадир имо қилди. Бир лаҳзада ҳар томондан китоб хирмонига ўт урилди. К. Яшин, Ҳамза.

Хирмон кўтармоқ Ҳосил етиштириб, йиғиб олмоқ. *Гектаридан 15 центнердан хирмон кўтарди.* Т. Ашуров, Оқ от. **Хирмон қилмоқ** Ҳосилни бир жойга тўпламоқ, йиғмоқ. *Пахтани хирмон қилмоқ. Ғаллани хирмон қилмоқ.*

ХИРМОН-ХИРМОН Хирмонлаб; кўплаб, жуда кўп. *Бугунги хирмон-хирмон пахталар.. халқимизнинг меҳнати эвазига келган чўл инъомидир.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ХИРОЖ [*а.* خراج – чиқариш; ер солиғи] Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда ўрта асрлар ва янги даврда давлат томонидан ундирилган ер солиғи (7-асрда араблар томонидан жорий қилинган). *[Навоий:] Азиз фуқаро! Ҳирот беклари тарафидан ноҳақ солинган хирож бекор қилинди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Хива хони Муҳаммад Раҳим I хирожни пул билан ундиришни жорий қилган.* «ЎзМЭ».

ХИРОМ [*ф.* خرام – латиф, назокатли юриш, виқорли қадам] *поэт.* Чиройли юриш, ноз-таманно билан қадам босиш. *Хиром айламоқ (этмоқ, қилмоқ).* ▬ *Агар ёринг хиром этса, Саболардан аён бўлгай.* А. Орипов. *Ҳар дам хиром айлаб кирсанг гулзора, Гуллар кўксин йиртиб қилгай юз пора.* Ҳабибий.

ХИРОМОН [*ф.* خرامان – латиф, назокатли юрадиган, виқорли қадам ташловчи] **1** *поэт.* Чиройли юрадиган, ноз-таманно билан қадам босадиган. *Хайр, гўзал жононим, Севимли хиромоним.* М. Шайхзода. *Отмагай тонг боғ аро азминг хиромон бўлмаса, Булбули шайдоларинг гул узра нолон бўлмаса.* С. Абдулла. *Товус каби айлаб хиромон, Рақсга тушди бир гўзал жонон.* Э. Воҳидов, Нидо.

ХИРПА 1 Бир томони тошга ишқаб силлиқланган; сийқаси чиққан, силлиқ (ошиқ ҳақида). [*Султон киссавур*] *Қўлида тўртта хирпа ошиқни ўйнаб келар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма* Кўпни кўрган; қув, туллак. *Тулкиликда бу одам хирпа бўлиб кетган.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар. [*У*] *Баъзи эски хирпа амалдорларнинг кирдикорларини ўрганди.* Ойбек, Навоий.

ХИРПАЛАМОҚ 1 Тошга ишқаб, едириб текисламоқ, силлиқламоқ. *Ошиқни хирпаламоқ.*

2 *кўчма* Бурнини ерга ишқаламоқ, адабини бермоқ. *-Биз ўттиз киши Бадиуззамоннинг эллик-олтмиш йигитини обдан хирпаладик, — деди Арслонқул Навоийга иржайиб.* Ойбек, Навоий.

ХИРПИ *айн.* **хирпа.**

ХИРС [*ф.* خرس – айиқ] *с.т.* Айиқ. *Ўзи ҳам хирсдан баттар кучли экан, то бошини қайиргунимча, тағин икки тупни эзиб юборди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Катта темир дарвоза остида чўзилиб ётган хирсдай ит бошини кўтариб ириллади.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

Хирсдай тўқ 1) овқатни кўп еган, қорни тўқ; 2) *кўчма* мўл-кўлчиликда яшовчи бой, бадавлат киши ҳақида.

ХИРУРГ [*юн.* cheirourgia – қўл иши] *қ.* **жарроҳ**. *Мурод Раҳимов қўли енгил хирург эди.* Газетадан.

ХИРУРГИК *қ.* **жарроҳлик 2.** *Хирургик операция.*

ХИРУРГИЯ [*юн.* cheirourgia – қўл иши < cheir – қўл + ergon – ҳаракат, иш] *қ.* **жарроҳлик 1**. *Хирургия бўлими.* ▬ *Ҳозирги замон хирургия фани кимё, физика, молекуляр биология каби соҳалардаги ютуқлар натижасида ривожланиб бормоқда.* «Фан ва турмуш».

ХИР-ХИР *тақл. с.* Хириллаган овоз, товуш ҳақида. *Бек сўз давомида негадир хир-хир куладi.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Аҳрор хир-хир йўталди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ХИРҚА [*а.* خرقه – қуроқ; лахтак; латта-путта] *эск.* **1** Дағал матолардан қураб тикилган либос; дарвишлар кийими; жанда. *Қаландар дарвишлик хирқасини кийишга кийиб, пушаймон чекиб юрган пайтлар эди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

2 Эски, жулдур кийим. *Камбағалнинг хирқасидан ор қилмоқ шунчалар.* Муқимий.

ХИРҚАПЎШ [*а.* + *ф.* خرقه‌پوش – хирқа кийган; дарвиш, қаландар] *эск.* **1** Жанда кийган; дарвишлик қилувчи, дарвиш.

2 Енгил-юпун кийинган; фақир, камбағал; тиланчи, гадой.

ХИРҚИ *айн.* **хирқироқ.** *Хонага жимлик чўкиб, тўсатдан яна йиғи товуши хавф солиб қолди. Шу топда ҳаммадан тетикроқ*

Оксана эркакча хирқи товуш билан бунинг олдини олди. А. Мухтор, Туғилиш.

ХИРҚИРАМОҚ «Хир-хир» қилиб овоз чиқармоқ. *Ёнда Дадақўзи ҳам инқиллаб инграб, пичоқ егандек хирқирарди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ХИРҚИРОҚ Хириллаган, «хир-хир» қиладиган; хирилдоқ. *Ушалмаган орзу аламидан изтироб чекиб, паришонҳол турганида, кимдир хирқироқ товушда.. деди.* С. Анорбоев, Сайли. *Муаззинларнинг хирқироқ товуши тинган, тонг ёришиб келарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХИСЛАТ [*а.* خصلت – сифат, хосса, хусусият] Киши ёки нарсанинг муҳим ижобий белгиси; сифати; хусусият, фазилат. *Яхши хислат – гўзал фазилат.* Мақол. ▬ *Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, Ҳар фаслнинг ўз фазилати, Кумуш қишдан, зумрад баҳордан Қолишмайди кузнинг зийнати.* Уйғун.

ХИСЛАТЛИ Бирор хислатга эга, хислати бор. *Бу ажойиб хислатли аёлнинг қилмиш-қидирмишларини унинг ўзидан эшитамиз.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ХИТ Тажанг, асабий; бўғилган. *Мен, дарвозани ёпиб, ичкарига кирдим. Негадир хит эдим.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

Кўнгли хит Таъби хира, кўнгли ғаш. -*Кўнглим хит бўлиб, диванга ёнбошладим, – деди Учқун.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. **Хит бўлмоқ** Асабийлашмоқ. *Рустам бобо ҳалидан буён суҳбатга аралашолмагани учун, баҳона тополмаганидан, хит бўлиб турганди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар **Хит қилмоқ** Юракни сиқмоқ, асабийлаштирмоқ. *Босим ўтириб, хатларга жавоб ёзавериш одамни хит қилиб юборади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. [*Шум бола:*] *Хўжайин, дейман, ўзингиз ҳам жуда хит қилиб юборар экансиз-да!* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ХИТЛАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **хит бўлмоқ** *қ.* **хит.**

ХИТЛИК Қайсарлик, ўжарлик, асабийлик. *Йўлдошнинг асаби кечгача ёзилмади. Самоварнинг жўмрагини бурашга ҳам хитлик қилиб, бир-икки марта қўлини куйдириб олди.* Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида.

ХИТОБ [*а.* خطاب – нутқ; ёзув, ёзувли хабар, ахборот] Кучли ҳис-туйғу, ҳаяжонни, истакни ифодаловчи жумла; чақириқ. *Оломон яна гув этиб, «Балли, азамат!» «Умринг узоқ бўлсин, болам!» деган хитоблар эшитилди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Хитоб қилмоқ (*ёки* **этмоқ)** Кучли ҳис-ҳаяжон билан қичқирмоқ, бировга мурожаат қилмоқ. -*Ҳурматли жаноблар! – деди у хитоб қилиб.* К. Яшин, Ҳамза.

ХИТОБАН [*а.* خطاباً – хитоб қилган ҳолда, хитоб тарзида] *рвш.* Мурожаат қилиб, мурожаат тарзида. -*Жанобнинг амрлари билан, – деди Анвар уларга хитобан, – энг оғир ва жавобгарлик бир хизматни ўз устимга олишга мажбур бўлдим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *[Навоий] Шунинг учун лирик бир чекиниш билан соқийга хитобан айтади..* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

ХИТОБНОМА [хитоб + нома] Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ундаб ёзилган мактуб, ёзма чақириқ, мурожаатнома. *Тинчлик тарафдорларининг хитобномаси.*

ХИТОЙ 1 *қ.* **хитойлар.** *Хитой тили. Хитой аёл.* ▬ *Бу паҳлавон Искандар илтифотига ноил бўлган хитой гўзали бўлиб чиқади.* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

2 Хитойга, хитойларга хос; Хитойда ишланган. *Хитой маданияти. Хитой вазаси.* ▬ *Эшон ая хитой лаганда қовурма олиб кирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *..безак учун у ерга, бу ерга қўйилган хитой вазаларини латта билан яхшилаб артди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Хитой девори 1) Хитойни Мўғулистондан ажратиб турган қадимий девор; Садди Чиний. *Ана, катта қўрғон. Унинг уч томонидаги баланд деворлар Зиёдиллага «Искандарнома»да таърифланган хитой деворига ўхшаб кўринди.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) *кўчма* ўтиб бўлмас тўсиқ, ғов; ажратиб турувчи чегара. *Шундан кейин бу икки дўст ўртасида хитой девори пайдо бўлди.* «Ёшлик». **Хитой ловия** *с. т.* Соя (ўсимлик). **Хитой қоғоз** *с.т.* Юпқа шалдироқ қоғоз. *Эрталаб кичкина хитой қоғозга ёзилган хатни олиб, Серёжа Астахов орқасига қайтди.* А. Раҳмат, Соқов бола.

ХИТОЙИ Хитой мамлакати ва хитойларга оид; Хитойда тайёрланган. *Хитойи шоҳи.* ▬ *Отабек шошиб, токчадаги хитойи норин товоқни олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Беклар, вазирлар.. кимхобларга, хитойи шоҳига беланиб [подшоҳ ёнига] киришди.* Ойбек, Навоий.

ХИТОЙЛАР Хитой Халқ Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этувчи,

хитой тилида сўзлашувчи халқ (ўзларини ханцзу, хань деб атайдилар). *Улуғбек турклар ва хитойлар кеча-кундузни ярим кечадан бошлаганликларини қайд этади.* «Фан ва турмуш».

ХИТОЙЧА 1 Хитойга, хитой халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Хитойча рақс.*

2 Хитой тили. *Хитойча гаплашмоқ. Сиз хитойчани биласизми?*

ХИТОЙШУНОС [хитой + *ф.* شناس – ўрганувчи] Хитой тили, адабиёти, иқтисодиёти, сиёсати, фалсафаси, маданияти ва тарихи билан шуғулланувчи мутахассис; синолог. *Хитойшунос олим.*

ХИТОЙШУНОСЛИК Хитой тили, адабиёти, иқтисодиёти, сиёсати, фалсафаси, санъати, маданияти ва тарихини ўрганувчи фан; синология.

ХИХ *унд. с.* Эшакни тез юргизишга қисташ учун ишлатилади. *У* [*Ҳасан овчи*] *эшакни, хих, деб тезлатди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ХИ-ХИ *тақл.* Секин, босиқ товуш билан кулишни ифодалайди. *-Хи-хи-хи. Бу менга сир эмасди, дўстим, – деди Урфон, оғзининг таноби қочиб.* К. Яшин, Ҳамза.

ХИХИЛАМОҚ Секин, босиқ товуш билан кулмоқ. *-Камтарликдан ўргилай, – яна хихилаб кулди банги.* О. Ёқубов, Ларза. *Ҳаммалари кулишиб, айниқса, Холмирза аканинг хихилашдан ичаги узилаёзди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ХИХЛАМОҚ «Хих», «хих» деб эшакни юришга ундамоқ. *Майна эшагини хихлади ва шу заҳотиёқ кетидан Нарзи тоға минган эшакнинг ҳам дикирлаган йўрғаси эшитилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ХИШТ [*ф.* خشت – ғишт; қуйма (олтин)] *эск. айн.* **ғишт.** *Қўлингдан ўтмишдир ҳар битта хишти, Раҳмат, дер ўзбекнинг ўн етти пушти.* Ғ. Ғулом.

ХИШТАК [*ф.* خشتک – кичик ғишт; иштон оғига, кўйлак қўлтиғига қўйиладиган мато парчаси] Иштон, шим, шалвар кабиларнинг ҳар икки қисмини бир-бирига улашда чот оралиғига ёки кўйлак қўлтиғига қўшиб тикиладиган туморча шаклидаги бир парча мато; оғ.

ХИШТИН [*ф.* خشتین – ғиштли, ғиштдан қилинган] *эск. айн.* **ғиштин.** *Отабек, қутидор ва Офтоб ойим.. янги хиштин саҳна қаршисида тўхтадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХЛОР [*юн.* chloros – яшил-сариқ] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; яшил-сариқ тусли, ўткир ҳидли, заҳарли, бўғувчи газ. *Хлор бирикмалари халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг миқёсда ишлатилади.* «Анорганик кимё».

ХЛОРЛАМОҚ Нарсаларни хлор воситасида зарарсизлантирмоқ, дезинфекция қилмоқ. *Оқова сувларни сув ҳавзаларига ағдаришдан олдин хлорлаб, ультрабинафша нурлар.. таъсир эттирилади.* «Фан ва турмуш».

ХЛОРЛИ Таркибида хлори бор, хлор қўшилган. *Хлорли сув бўлган идишнинг тиқини очилса, ундан хлорнинг ҳиди келиб туради.* «Анорганик кимё». *Хлорнинг сувдаги эритмаси «хлорли сув» дейилади.* «Анорганик кимё».

ХЛОРОФИЛЛ [*юн.* chloros – яшил + phyllon – барг] Ўсимликларнинг яшил пигменти: ёруғлик энергиясини ўзлаштириб, уни органик моддаларнинг кимёвий энергиясига айлантиришдан иборат биологик вазифани бажаради. *Сувўтлар.. ҳужайраларида хлорофилл доналари сақлайдиган ва ёруғлик таъсирида органик моддалар ҳосил қиладиган тубан ўсимликлардир.* «Ботаника».

ХЛОРОФОРМ [*юн.* chloros – яшил + *лот.* form – тус, кўриниш] Саноатда эритувчи, тиббиётда асосан наркоз сифатида қўлланувчи ўткир ҳидли, ширин таъмли рангсиз суюқлик. *Хлороформ ҳидлатмоқ.* ▬ *Хлороформни барқарорлаштириш учун унга 1% ли этил спирти қўшилади.* «ЎзМЭ».

ХОБ [*ф.* خواب – уйқу, ухлаш; туш, туш кўриш] **1** *кт. айн.* **уйқу.** *Ёмғир ҳам тинмади ўша куни ҳеч, У ҳам қуволмади кўзда хобингни.* А. Орипов.

2 *айн.* **туш 1**. *Қалбгинаси зирқирар лўқ-лўқ, Ўнгмас гўё кезар хоб ичра.* М. Али.

ХОБГОҲ [*ф.* خوابگاه – ухлаш хонаси; кўрпа-ёстиқ] *кт.* Ётоқхона. *Бу мудҳиш хабар Самарқандга келганда, Бобур қаттиқ бетоб бўлиб.. хобгоҳда иситмалаб ётган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХОБХОНА [хоб + хона] *айн.* **хобгоҳ**. *Латофат хобхона эшигини очиб, унинг жойини тайёрлаб қўйган экан.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ХОДА [*ф.* خاده – узун ёғоч, таёқ] Катта дарахтнинг бутоқ ва шох-шаббалари кесиб ташланган пояси, танаси; узун ёғоч. *Сада соя берар, Тол хода берар.* Мақол. ■ *Йўлчи.. чирик тахталар ўрнига йўғон-ингичка ходалар ётқизилган кўприк олдида қовун ортган арава тўхтаганини.. кўрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Думини хода қилиб *қ.* **дум 1**.

ХОДИМ [*а.* خادم – хизматчи; хизматкор; югурдак] **1** *эск.* Ўтмишда сарой ёки ўрдада хон, бек ва ш.к. нинг хизматини қилиб юрувчи киши. *Хон, аъёнларига рухсат бериб, ҳарамга кирган, ўрданинг кундузлик ходимлари тарқалишиб, фақат кеча беклари, хон соқчилари, доимий ходимлар қолган эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бирор идора ёки муассасада ишловчи киши, хизматчи. *Савдо ходими. Халқ маорифи ходимлари. Тиббиёт ходими.* ■ *-Тергов ўтказмасдан қандай ушлайсиз, – эътироз билдирди прокуратура ходими.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Илмий ходим Илмий текшириш муассасасида ишловчи киши. *Кўп ўтмай илмий ходимлардан баъзилари Салимхон Обидийнинг.. нега кетиб қолганини Умиддан сўрашди.* Мирмуҳсин, Умид. *Институтимизда қанча илмий ходим бўлса, ҳаммаси ёпирилиб келаверди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ХОДИМА [*а.* خادمه – хизматчи аёл; оқсоч] Аёл ходим. *Ўттиз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотин ҳарам ходималаридан Гулшанбону эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Кейин ходима ҳовлининг бир чеккасида қўл қовуштириб турган дуркунгина канизакни кўриб, бир имо қилди.* М. Осим, Карвон йўлларида

ХОДИМГАР [*а.+ ф.* خادمگر – ходимлик қилувчи] Ходими қилувчи киши. *-Оталаримизнинг кўпчилиги майда косиблар, қоровул, ходимгар, мешкоб.. ва ҳоказо бўлганликлари учун.. уларнинг ёнига кўмакчи бўлиб тушиш бизга тўғри келмас эди, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ХОДИМИ [*а. + ф.* خادمی – ходимлик, хизмат кўрсатиш]: **ходими қилмоқ** Бировни ишқалаб, уқалаб ювинтирмоқ, массаж қилмоқ (асосан ҳаммомда). *Ҳасанхонни Хон Далли ходими қилиб ухлатди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ХОДИМЛИК Ходим бўлиб хизмат қилишлик. *Газетада ходимлик қилмоқ.*

ХОДИМЧИ *с.т.* Ходимгар.

ХОДМИГАР *с.т.* Ходимгар. *У* [*Мирзо*] *ҳордиқ оқшоми ҳаммомга тушди-ю, ходмигарлардан бирига ҳалиги сўроғини берди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

ХОЖА [*ф.* خواجه – ҳурматли, обрўли киши; жаноб, хўжайин; мулкдор] *кт. тар.* **1** Хўжа, хўжайин. [*Беруний:*] *Гурганж амиридек золим юртимизга хожа бўлса, ҳолимизга вой!* М. Осим, Жайҳун устида булутлар.

2 Тасаввуфда: тариқат машойихларига бериладиган унвон. Масалан: Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний.

ХОИН [*а.* خائن – аҳдини бузувчи, хиёнаткор] **1** Аҳдини, қасамини бузиб, хиёнаткорона иш тутувчи; фирибгар, муттаҳам. *Эндигина ғунчадан чиқаётган бу ёсуман гулни* [*Кумушбибини*] *хоин қўлларнинг заҳри сўлитган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ ёки ўз халқи, ўз ватани манфаатига зид иш тутувчи, унинг душманлари билан ҳамкорлик қилувчи, душман томонига ўтган киши; сотқин. [*Навоий:*] *Давлатимизни яксон қилмоқчи бўлган хоинга салтанат даргоҳида ўрин йўқ!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХОИНЛАРЧА *айн.* **хоинона.** *Хоинларча иш тутмоқ.*

ХОИНЛИК Сотқинлик. *Сизлар учун мардлик билан хоинликнинг фарқи қолмадими? Кечагина Бобур мирзога содиқмиз, деб қасамёд этганлар бугун унга шунчалар ёмонлик қилмоқдасиз?!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХОИНОНА [*а. + ф.* خائنانه – хоинларча, хиёнаткорона] *рвш.* Хоинларча, хиёнаткорона. *Аблаҳ Қутим қоранинг хоинона иши билан қанча фалокат содир бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ХОК [*ф.* خاک – тупроқ, ер; юрт, ҳудуд; чанг, тўзон] *кт.* **1** *айн.* **тупроқ.** *Боболар юрти бу, чироғим, Қадрлаб кўзга сурт хокини.* У. Абдуазимова.

2 Тупроққа ёки кулга айланган инсон жасади. *Чунки сенинг сўлим соҳилларингда Узоқ боболарнинг хоки бор, Аму!* Миртемир.

ХОКА [*ф.* خاکه – чанг, тўзон; кукун] Майда, кукун (кўмир ҳақида). *Тойир ака ўз олдидаги ёниб ўчган хокаларни кулдан аж-*

ратиб, гулханга ташлар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХОКАНДОЗ [*ф.* خاکانداز – чанг-тупроқ, ахлат йиғиштирадиган (куракча)] Олов, кул, кўмир, супуринди ва ш.к. ни олиш, ташиш учун ишлатиладиган дастали асбоб; оловкурак. *Хосият хола хокандозда писта кўмир келтириб, самоварга ташлади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Унинг [капитаннинг] қаршисига супурги ва хокандоз кўтарган бир аёл шахт билан келарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ХОКИ [*ф.* خاکی – ер рангидаги, чанг босган]: **хоки анжир** Анжир дарахтининг ёзда пишадиган меваси (иккинчи марта кузда пишадиганидан фарқлаб шундай дейилади). *Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган Бахтли тонготар чоғ уни кузатдим.* Ғ. Ғулом.

ХОКИПОЙ [*ф.* خاکپای – оёқнинг чанги, гарди] Оёқ остидаги тупроқ. *Армон бўлди, хокипойин ўпмадим, Дилдоримга кўп зор айладинг, фалак.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ХОКИПОК [*ф.* خاکپاک – тоза, муқаддас тупроқ] Муқаддас тупроқ. *Мен ҳам бир ўғлингман, она сайёра, Бағринг мен учун ҳам хокипок бўлсин.* А. Орипов.

ХОКИСОР, хоксор [*ф.* خاکسار – чанг, тўзон босган; камтар, содда; итоаткор] **1** Ниҳоят даражада камтар, содда. *Мавлоно Шаҳобиддин ғоят камтарин ва хокисордир.* Ойбек, Навоий.

2 Итоат қилувчи, итоаткор, бўйин эгувчи; ожиз. *Улуғ хоқон, бу хокисор қулингизнинг бир тортиғи бор.* Ойбек, Навоий. *Лекин инсон қул, инсон ожиз, у бамисоли чумолидай хокисор махлуқ, деганлар мутлақо янглишади..* К. Яшин, Ҳамза. *Ўшанда Ақида ғаройиб ҳикоялари билан тобора юрагига чуқурроқ кириб келаётган бу боланинг олдида ўзини жуда хокисор ва ҳатто хўрлангандек ҳис қилди.* Н. Отахонов, Оқшом хаёллари.

ХОКИСОРЛИК, хоксорлик Ўта камтарлик; итоаткорлик, мутелик. *Маждиддин хокисорлик билан унга яқин келиб, қуллуқ қилди.* Ойбек, Навоий. *Қурбон унга хокисорлик билан тикилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ХОКИСОРОНА, хоксорона *кт.* Хокисор ҳолатда. *-Начора, – деди боягидай камтару хокисорона илжайиб, – бошқа чорам йўқ менинг.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХОКИТУРОБ [*ф. + а.* خاکوتراب – чанг ва тупроқ] *кт.* Ер билан яксон; хароб. *-Диндан қайтганлар қўлида наҳотки бизнинг хонумонимиз куйиб, хокитуроб бўлиб кетса, бунга асло чидаб бўлмайди, – деди Содиқжон бойвачча тутақиб.* К. Яшин, Ҳамза.

ХОКИТЎЗОН *айн.* **хокитуроб.** *Қолди хайрлашиб ортида энди Хокитўзон бўлган кулбаси яна.* Т. Тўла.

ХОККЕЙ [*ингл.* hockey < эҳтимол *эски фр.* hoquet – чўпонларнинг учи қайрилма таёғи] Дарвозали муз майдони ёки майса устида клюшка ва тўп (шайба) билан команда бўлиб ўйналадиган спорт ўйини. *Тўпли хоккей. Чим устида хоккей. Шайбали хоккей.* ▬ *Бир оз танаффусдан сўнг программада.. хоккей ўйини кўрсатила бошланди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ХОККЕЙЧИ Хоккей ўйновчи спортчи. *Мириман Ким, Ойбек Патиддинов, Ринат Маматказин каби маҳоратли мураббийлар етакчи хоккейчиларни тарбиялади.* «ЎзМЭ».

ХОЛ [*ф.* خال – менг, хол] I **1** Баданда, тери устида бўладиган туғма доғ ёки бўртма. [*Кумуш*] *Латиф бурни ёнидаги қора холининг табиийлигига ишонмагандек қашиб кўрди ва кўзгу ёнидан жўнади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Хол қўймоқ 1) ясама хол ҳосил қилмоқ; бирор жойга нуқта ёки холга ўхшатиб белги қўймоқ. *Икки қош ўртаси қизил хол қўймоқ Ҳинду қизларининг қадим кўркидир.* Ғ. Ғулом. *Лаъли шакар, сўзлари бол, Оқ юзига қўйибди хол.* «Баҳром ва Гуландом»; 2) *кўчма* ишнинг пачавасини чиқармоқ, расво қилмоқ. *Энди бўлар иш бўлди. -Қўй, Холвой, мунча куйдинг, Мўл ҳосил етказдинг-у, Йиғиб олмай хол қўйдинг.* О. Қўчқорбеков.

2 *тиб.* Терининг туғма нуқсонларидан бири.

3 Домино, пичоқ дастаси ва ш.к. га ўйилган ёки қадалган белги; безак учун қилинган кўз ва ш.к.

4 *кўчма* Бирор нарсанинг энг муҳим, чиройли жойи; латофат, гўзаллик, ҳусн. *Фарғона – Ўзбекистоннинг холи, ҳусни.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Хол бўлиб тушмоқ Ҳусн бўлиб турмоқ, ярашмоқ. *-Йўл бўлсин Авазхон ўғлингизга, Хол тушган Чамбил элингизга.. – деди Жортибой оқсоқол Гўрўғлига.* «Зулфизар билан Авазхон».

ХОЛ II Аёлларнинг пешона ва чаккага тақадиган безаги, заргарлик буюми. *Бақтрия*

(2-аср), Далварзинтепа (3-аср) дан топилган, пешонасида холлари бўлган ҳайкаллар холнинг қадимийлигидан дарак беради. «ЎзМЭ».

ХОЛА [*а.* خاله – хола] **1** Онанинг синглиси ёки опаси. *..Бобур холаси ва қайлиғини бутун одамларию кўч-кўронлари билан бирга қўриқлаб олиб кетмоқда.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Кекса аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли. *Лутфинисо бўғчадан икки дўппи олиб, беш сўм пул билан узатди. Йўл тўсувчилар қувониб бақиришди: -Тўй устига тўй кўринг, хола!* Ойбек, Танланган асарлар. *У кампирга яқинроқ бориб: -Икки кило тортворинг [нокдан], хола, – дея унга юзланди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

3 Ҳурмат юзасидан ёши катта аёллар исмига қўшиб ишлатилади. [*Раис:*] *Қани, Тўхта хола, гапиринг!* А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

ХОЛАВАЧЧА [*а. + ф.* خاله‌بچه – холанинг боласи, фарзанди] Опа-сингилларнинг фарзандлари (бир-бирларига нисбатан). [*Холида*] *Холаваччаси билан қуюқ кўришди.* «Ёшлик».

ХОЛДИНГ [*ингл.* holding – эгалик қилувчи, эга бўлган] *иқт.* **1** Бошқа фирмаларни назорат қилиш ва бошқариш мақсадида уларнинг акция назорат пакетларини сотиб олиб эгалик қилиш.

2 *айн.* **холдинг компания.** *Ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, холдинг, одатда, акциядорлик жамияти қаторига киради.* «ЎзМЭ».

Холдинг компания [*ингл.* holding-company] *иқт.* Асосий фаолияти бошқа корхоналарнинг акцияларини ўз тасарруфига олиш орқали уларнинг ишини назорат қилиш ва бошқаришдан иборат бўлган компания, бош корхона.

ХОЛДОР [*ф.* خالدار – холга эга бўлган, холли] **1** Юзида, баданида холи бор; холли. *Холдор жувон.*

2 Баданида ёки сиртида майда доғи ёки доғлари бўлган. *Холдор от. Холдор қанотли капалак.* ▬ *[Ўғил буви] Қутичани айлантирган эди, унинг ичидаги қалай, кумуш узук.. чиройли холдор қилиб ишланган кўзмунчоқ каби бир қанча майда нарсалар ерга тўкилдилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 Холдор (эркаклар исми).

ХОЛЕЦИСТИТ [*юн.* chole – ўт, сафро + kystis – пуфак] *тиб.* Ўт пуфагининг ўткир ёки сурункали яллиғланиши. *Ўткир холециститда ўнг қовурға остида – жигар соҳасида, баъзан киндик атрофида тўсатдан қаттиқ оғриқ пайдо бўлади.* «ЎзМЭ».

ХОЛИ [*а.* خالی – бўш, қуруқ; эгалланмаган] **1** Кимсасиз, бўш. *Нуринисо эса ичкари ҳовлидаги тўрт уйдан бири – онасининг уйига кирди. Чунки бу уй холи эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *сфт.* Чет, хилват, овлоқ. *Йигит ўйлай-ўйлай, Шоқосимнинг хизмат қиладиган жойини, жувозкашникини маъқул кўрди. Чунки бу жой Мирзакаримбой уйидан икки-уч маҳалла нарида, ҳам бундан бошқа холи жойни топиш қийин.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *рвш.* Яккама-якка, гувоҳларсиз. *Қани, ўтиринг, сиз билан холироқ гаплашайлик-чи бўлмаса.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим, холи кўришганимиз яхши бўлди, – деди Нина Ойнисага.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

4 Бирор нарсадан озод, бўшаган, унга алоқасиз. *Бу [ҳижрон] Темиржонни хийла қийнаган, кундалик ташвишлардан холи бўлган пайтларда эса ўйлай-ўйлай ўйига етолмай ҳасрат чекар эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

..дан холи эмас Чиқиш келишигидаги от билан боғланиб, шу от англатган нарса, воқеа-ҳодисанинг мавжудлиги, борлигини билдиради. *Одамнинг ўз фаолиятини ўзи таҳлил этиб туриши фойдадан холи эмас. Кечга бориб ёмғир ёғиши эҳтимолдан холи эмас. Мазкур илмий иш камчиликдан холи эмас.* **Холи қолдирмоқ (***ёки* **қўймоқ)** Суҳбатга гувоҳ бўлмаслик ёки халақит бермаслик учун кимса(лар)ни ёлғиз қолдирмоқ. *-Эшон халфа, энди бизни холи қолдиринг, – деди ҳазрат фотиҳа ўқилгач. -Хўп, тақсир, – деди-ю, Матқовул халфа.. чиқиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қовоғи солиқ соқчи ҳам унчалик инсофсиз эмас экан, икковимизни холи қолдириб, ҳовлига чиқиб кетди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ХОЛИЛАТМОҚ *кам қўлл.* Бирор жойни кишилардан холи қилмоқ; бўшатмоқ; бировни ёлғиз қолдирмоқ. *Ўзбек ойим уйни холилатиб, Ҳасаналини ўз олдига чақиртириб кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОЛИС [*а.* خالص – тоза, соф, қоришмасиз; самимий; бўш, холи] **1** Воқеликка ҳаққоний назар билан қарайдиган, объектив баҳолайдиган. *Таржима танқидчиси холис бўлиши, таҳлилга олдиндан қатъий ҳукмлар билан «чекланиб» киришмаслиги керак.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Беғараз, самимий; таъмасиз. *Моҳлар ойимнинг Анвар билан муомаласи холис ва самимий.. эди.* А. Қодирий Меҳробдан чаён. *-У* [*Тўхтасин Жалилов*] *билганларини менга миннатсиз, жон-дили билан, холис ўргатар эди, – деди Ҳалима.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 *ҳуқ.* Қамоққа олиш, тинтув ўтказиш каби ҳолларда ҳукумат органлари томонидан объектив гувоҳ сифатида чақирилган шахс. *Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин.* Газетадан.

4 Бирор кимса ёки нарсадан холи. *Дунё нодонлардан холис бўлганда эди, бу олам яна ҳам мунавварлик кашф этарди.* Газетадан.

5 Холис (хотин-қизлар исми).

Нияти холис Нияти сидқидилдан, беғараз. *Буни қаранг, нияти холис боламан-да, ўзингизга рўпара келиб турибман.* С. Аҳмад, Уфқ. **Холис гувоҳ** 1) икки томонга ҳам бетараф гувоҳ; 2) *айн.* **холис 3. Холис хизмат** 1) таъмасиз, ҳалол хизмат. *Бу жой меҳнаткашларга холис хизмат қиладиган.. оромгоҳдир.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик; 2) *кест.* (қўштирноқ ичига олинади) ғаразли ният билан қилинган иш. *Бу тинтув Сайфийнинг «холис хизмати» туфайли бўлганлигини у* [*Аваз*] *дарҳол англади.* С. Сиёев, Аваз.

ХОЛИСАНЛИЛЛО(Ҳ) [*а.* خالصاًلله] *айн.* **холисона.** *Аммо ёзувчи ҳақида, унинг китоби ҳақида кимки ўйлаб, холисанлилло фикр айтмаса, шарманда бўлиши турган гап экан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ХОЛИСЛИК Ҳаққонийлик, объективлик; самимийлик, беғаразлик. *Ниятнинг холислиги.* ▬ *Менинг холислигимни шундан ҳам билсангиз бўлар эди, ука.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХОЛИСОНА [*а.* + *ф.* خالصانه – холислик билан, объектив тарзда] **1** *рвш.* Ҳаққонийлик билан, объектив ҳолда. «*Бобурнома»да эса тарихий ҳақиқат холисона равишда.. қайд қилинади.* «Фан ва турмуш». *Танқид аёвсиз ва холисона бўлиши керак.* Газетадан.

2 Ўз манфаатини кўзламаган ҳолда, таъма қилмасдан; беғараз. *Лекин шунга қарамай, бугунги кунда сиз бизга холисона ёрдам қўлини чўзиб турибсиз!* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи.

ХОЛИҚ [*а.* خالق – яратувчи, ижодкор] **1** *дин.* Яратувчи (Аллоҳнинг сифатларидан бири). *Яхшилик қил, дарёга от, дарё билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур.* Мақол.

2 Холиқ (эркаклар исми).

ХОЛЛ [*ингл.* hall] **1** Европада илк ўрта асрда инглиз тураржойларининг жамоатхонаси; жамоат йиғиладиган, нисбатан катта хона.

2 Театр, меҳмонхона каби замонавий жамоат биноларида дам олиш ёки бирор шахс билан суҳбатлашиш учун фойдаланиладиган жиҳозланган хона.

ХОЛЛИ Холи бор. *Унинг* [*Нигоранинг*] *қопқора холли лабларига табассум қўнди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ХОЛОДИЛЬНИК [*р.* холодильник – совуткич] **1** Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини совитиш, музлатиш йўли билан сақлайдиган корхона ва унинг биноси.

2 Ичига совитиш аппарати ўрнатилган жавонсимон рўзғор буюми. *Холодильникдан.. егулик қидирди.* «Ёшлик».

ХОЛОЙИ *шв.* **1** Қариндош ёки яқин бўлган катта ёшли аёлларга нисбатан мурожаат қилиш шакли.

2 Хола.

ХОЛОС [*а.* خلاص – қутулиш, озод бўлиш] *юкл.* Бори-йўғи, фақат, фақатгина. *Шоирлар алдайди бизни, жонгинам, Баҳор доим эмас, уч ойдир холос.* А. Орипов. *Икромжон ўз ишлари қолиб, Эш полвондан гапирарди холос.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ана холос! Тааժжубни, ҳайратланишни ифодалайдиган ибора. *Ана холос! Чин ошиқнинг гапи эмас бу.* К. Яшин, Ҳамза.

ХОЛПАРАНГ: холпаранг рўмол Хол-хол паранг рўмол. [*Асра кал*].. *зангори шоҳи қийиқ боғлаган, елкасига холпаранг рўмол ташлаган хушфеъл йигит эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ХОЛ-ХОЛ Сирти холлар ёки холсимон нуқталар билан қопланган; холдор. *Хол-хол*

чит. ▬ *Қўнғизча хол-хол қора доғли қизғиш қанотларини товлантирганча... учиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХОМ [*ф.* خام – яхши қайнамаган ёки пишмаган; етилмаган, ғўра; охиригача ишланмаган; тажрибасиз] **1** Табиий равишда пишиб етилмаган, пишмаган; ғўр. *Хом тарвуз. Хом олма.* ▬ *Узум ғўрасини ғарч-ғарч чайнардилар, турпнинг сувини ичардилар, хом анорни емасалар, ухлолмасдилар.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Талъат.. бир дона хом кўракни юлиб олиб, орасини ёрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Пиширилмаган, қайнатилмаган. *Хом гўшт. Хом сут.* ▬ *Ўзингиз ҳам неча бор синаб кўрдингиз: бир дона хом сабзи жиғилдон қайнашини тўхтатади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

3 Қайта ишланмаган, яхши ишлов берилмаган ёки чала ишланган; хомаки. *Атрофимдаги иморатларнинг кўпи пишиқ ғиштдан, баъзилари хом ғиштдан бўлса ҳам кўкракдор..* Шукрулло, Сайланма. *Тезак, хом тери иси аралаш ачимсиқ бадбўй ҳид димоғига урилди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Тўтиқиз токчадан дўппи хомини олиб, кўрпачага келиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Енгил-елпи, чала, юзаки. *Хом асарларга йўл қўйиб берсак, бошқалар, меникининг ундан нимаси кам, деб қолмасмикин?* Шукрулло, Сайланма.

5 *кўчма* Пухта эмас, юзаки. *Биласизми, ишни хом қилдингиз, ёнингизга Баротовдан бошқа одамни торта олмадингиз.* С. Зуннунова, Олов. *У* [*Маҳкам*] *гўдаклигига бориб, хом ўйлаган экан.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

6 *кўчма с.т.* Тажрибаси йўқ, содда, ғўр. *-Вой овсин-эй, хомсиз-да ҳали. Эрнинг гапига лаққа тушиб юраверасиз, – деди Сабохон Маҳмудага.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Арпангни хом ўрдими *қ.* **арпа. Хом от** Минилмаган, аравага қўшилмаган от. *Олтин сувлиғин чайнатди, Олти ой боқилган хом отди.* «Эрали ва Шерали». **Хом сут эмган банда** *қ.* **эммоқ. Хом хаёл, хомхаёл** Амалга ошмайдиган, пуч хаёл. *Буюкман деб хом хаёл сурма.* Ш. Раҳмон. **Чучварани хом санамоқ** *қ.* **чучвара.**

ХОМА I [*ф.* خامه – қалам; ёзиш усули] *эск. айн.* **қалам 1, 2**. *Авазнинг кўнглига шеър сиғмай, хомаю қоғозни йиғиштирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХОМАК [*ф.* خامک – пишмаган, сапча] Пишиб етилмаган, хом қовун ёки тарвуз. *Ҳозир пайкал оралаб боришаркан, Нусратбек йўлда учраган пайкалдан қовундеккина хомак узиб олди..* С. Нуров, Нарвон.

ХОМАКИ [*ф.* خامکی – охиригача ишлов берилмаган; пухта эмас] **1** Узил-кесил ҳал қилинмаган, аниқланиши, тўлдирилиши лозим бўлган; ҳали хом. *Хомаки режа. Хомаки расм.* ▬ *У* [*Саттор*] *метронинг хомаки лойиҳасига яна кўп аниқликлар киритилганини сўзлай бошлади.* П. Қодиров, Эрк.

2 Тахминий, чамали. *Хомаки ҳисоб.* ▬ *Сувдан фойдаланишнинг ўтган йилги хомаки ҳисоблари ўзимдаям бор.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Хомаки уруш *эск. айн.* **манёвр 1**.

ХОМАКЛАМОҚ Хомак ҳосил қилмоқ, сапча қилмоқ. *Қовун хомаклабди.* ▬ *Томорқага, бодрингнинг ёнига икки гектаргина коньяк экиб қўйсанг, мартда гуллаб, апрелда хомакласа, – хаёл қилди Ўрин.* А. Муқимов, Ғалати одамлар.

ХОМАШЁ [хом + ашё] Меҳнат таъсирида ўзгарган ёки ўзгарадиган ва яна ишланиши лозим бўлган дастлабки, хом маҳсулотлар. *Пахта тўқимачилик саноати учун хомашёдир. Хомашё манбаи. Хомашё ресурслари.* ▬ *Сунъий хомашёга синтетик смолалар, пластмассалар, синтетик каучук, сунъий тери, синтетик ювиш воситалари ва бошқалар киради.* «ЎзМЭ».

ХОМИҚМОҚ *кам қўлл.* Жисмоний иш билан шуғулланмай, бўшашиб, хомсемиз бўлиб қолмоқ. *-Чарчаб қоласиз, опа, – деди Қумри Лолахонга ачиниб, ҳамма оғирликка бардош берадигандек, қизларга қараб кулди: -Хомиқиб қолибмиз, ҳаммаси ўшаники.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ХОМКАЛЛА [хом + калла] Ҳеч нарса тушунмайдиган; фаҳмсиз; тентак. *Кал тароқни яхши кўргандек, бу хомкалла [Сулаймон] баҳсу мунозараларни яхши кўрарди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ХОМЛИГИЧА *рвш.* Хом ҳолатда, пиширмасдан ёки қайнатмасдан. *Тухумни хомлигича ютмоқ.*

ХОМЛИК 1 Пишмаганлик, етилмаганлик. *Бу олма ейишга хомлик қилади.*

2 *кўчма* Тажрибасизлик. *Ҳали озгина хомлигинг бор экан, шогирд.. келиб, пича таълим олиб кетсанг бўларкан.* «Муштум».

ХОММАПИШ Болаларнинг кўча тупроғини гумбаз қилиб уйиб, устидан сув сепиб қотиргач, тепаси ва ёнларидан тешик очиб, ичига олов ёқиб ўйнайдиган ўйини. *Қудратларнинг эшигида, ариқ бўйида Раъно кичкинтой болалар билан хоммапиш ўйнаб ўтирарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *-Хоммапиш ўйнайдиганлар озода қиз бўлмайди, — деди Манзура опа Лолага.* Газетадан.

ХОМСЕМИЗ [хом + семиз] Семиз, тўла бўлишига қарамай, кучсиз, заиф, пўк. *Намоз Очилов — қирқни қоралаган, хомсемиз, тепакал йигит.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ХОМСИМОҚ *айн.* **хомсирамоқ.** *-Кеча бир оз хомсиган эди, — деди Каримқул понсад.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОМСИРАМОҚ *шв.* Шубҳа қилмоқ, шубҳаланмоқ; иккиланмоқ. *Мен хомсираб, эшик олдида тўхтадим.* «Муштум».

ХОМСУВОҚ [хом + сувоқ] Дастлабки хомаки сувоқ, қора сувоқ. *Чол айвоннинг хомсувоқ деворига суяб қўйилган қўлтиқтаёғи билан ҳассасига таяниб, қаддини ростлади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ХОМСУРП [хом + сурп] Гул босилмаган, бўялмаган оқ ип газлама. *Филиал бир йилда 10,5 миллион метр хомсурп ишлаб чиқаришга мўлжалланган.* Газетадан.

ХОМСЎЗ [*ф.* خامسوز — ичи пишмай усти куйган] Яхши пишмаган, етилмаган; хом. *Содиқжон бойвачча.. уни* [*Пўлат отани*] *эрмак қилишга ўтди: Бу гапингиз хомсўз ноннинг ўзгинаси.* К. Яшин, Ҳамза.

ХОМТАЛАШ [хом + талаш] **1** *этн.* Бирор жонлиқ сўйиб, гўшт-ёғини текинга худойи сифатида тарқатиш. [*Майсара:*] *Бир эчки билан сигиримизни дарров хомталаш қилайлик, зора тонггача ўнгарилса.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Юз сўм-ярим юз сўмнинг бетига қарамай, дуохон қушночларга қаратилсин, иложи бўлса, бирорта жонлиқни хомталаш қилиш керак.* А. Қаҳҳор, Бемор.

2 *кўчма* Қўлга тушганини олиб кетиш; талон-торож. *Ёғ-гўшт хомталаш бўлаверса, қозонга маза кирармиди?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Қачонлар хомталаш бўлган еримда Кеза бошлайдилар улуғ сиймолар.* Газетадан.

ХОМТАМА [*ф.* خام‌تمع — беҳуда, қуруқ орзуга берилган; очкўз] Бирор нарсадан асоссиз равишда умид қилувчи; тамагир. *-Тез кунда Холхўжанинг кунига тушиб, кафансиз ўлиб кетасан, буни тушунсанг-чи, хомтама! — деди онаси [Сафарга].* Ё. Шукуров, Қасос. *-Бировга яхшилик қилдингми — дарров унут, юрагингда сақлаб юрма, у ҳам яхшилик қилиши керак, деб хомтама бўлма, — деди Расул ака ўғлига.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ХОМТАМАЛИК Ўринсиз умидворлик; тамагирлик *Мен сенинг ҳали ҳам ўша уятсиз эрингдан кўнгил узолмаганингни биламан. Сенинг хомтамалигинг кони болалагингдандир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОМТАРАШ [*ф.* خام‌تراش — чала тарашланган, силлиқланган] Ёғоч ёки тахтани чопиб йўниш, дастлабки, пардозсиз текислаш. *Хомтараш қилмоқ.*

ХОМТОК [*ф.* خام‌تاک — пишмаган ток (новдаси)] *қ.х.* **1** Токни парвариш қилиш усулларидан бири, ҳосилсиз, ортиқча новдаларни, янги бачки новдаларни олиб ташлаш. *Карвон Сурхнинг этагидаги боғда хомток қилаётган эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Токдан эндигина қирқиб ташланган ҳосилсиз, хом новда.

ХОМУТ [*р.* хомут < *қад. р.* хомти — «қисмоқ, сиқмоқ» фл. дан] От бўйнига киритилиб, икки ёнидан арава шотиси учига сириб боғланадиган ёғоч буюм, бўйинча. *Аравакашлар хомутни эсдан чиқаришибди. Старшинага элтиб берсам, хурсанд бўлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ХОМУШ [*ф.* خاموش / خامش — камгап, индамас, шов-шувсиз; ўчган, сўнган] **1** Ғамгин, кайфияти йўқ; маъюс. *Отабек хомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Аҳмад*] *Паришон ва хомуш бир кайфиятда зўрбазўр қадам босиб, ишхонаси томон йўл олди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Ўйчан, сўзсиз. *У [чол] тажанг бўлмаган вақтда кўпинча боши ярим қийшайган, хаёлчан, хомуш юради.* Мирмуҳсин, Занглаган қилич. *Командир жим, командир хомуш.* У. Носир.

Хомуш тортмоқ Маъюсланмоқ, кайфияти бузилмоқ. *-Ҳаммаси жойида дейсанми? — Болта муаллим хомуш тортди. — Қанийди шундай бўлса. Афсуски, бундай эмас.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

3 *кўчма* Авзойи бузуқ, жимжит (об-ҳаво ҳақида). *Шамол босилган.. Табиат хомуш.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Хомуш булут Қора булут. *Зилзиладан чалавайрон шаҳар устида хомуш булут карвонлари вазмин сургалади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ХОМУШЛАНМОҚ Хомуш бўлмоқ, ғамгин, маъюс бўлмоқ. *Темур Малик юзига фотиҳа тортиб, хомушланди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ХОМУШЛИК Ғамгинлик, хафалик; кайфиятсиз ҳолат. *Ойшабегим ундаги [Бобурдаги] хомушликни сезиб, сукут сақлаб ўтирибди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Зуҳра ўрнидан туриб, хомушлик билан секин-секин юриб чиқиб кетди.* С. Зуннунова, Олов.

ХОМ-ХАТАЛА 1 Чала пишган; хом. *Хомхатала ёки ланж бўлиб кетган паловни еган кишилар ошпазга эмас, Давронга минг лаънат айтиб кетишарди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Меъёрига етказилмаган; чала, ғўр, хом. *Хом-хатала асар.* ▬ *Ўсарвой ҳар куни ҳеч бир эринмай, Хом-хатала шеърлар келтирар тинмай.* С. Абдуқаҳҳор.

ХОМЧЎТ [*ф.* خام — чала ишланган, хомаки + *р.* счёты — пул ҳисоб-китоби; чўт, ҳисоблаш мосламаси] Бирор нарсани хомаки равишда ҳисоблаб чиқиш; тахминий ҳисоб. *Хомчўт қилмоқ.* ▬ *Йўлдош новча, қайчини қўзининг қорнига қўйиб, бармоқларини букиб, алланарсаларни хомчўт қилди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Сўнгра иш режангни хомчўт қилиб, ўз-ўзингча сўйлана кетдинг.* Уйғун.

ХОМЧЎТЛАМОҚ Бирор нарсани хомаки ёки тахминан ҳисоблаб кўрмоқ, хомчўт қилмоқ. *У даромадини хомчўтлаб кўрди.*

ХОМҚОЛИП Ҳали узил-кесил тайёр бўлмаган, битмаган; дастлабки, хомаки. *Рассомлар кўргазмасига ҳайкалтарош Л.Н.Ивановнинг Пушкин, Гоголь ва генерал-майор Раҳимовларнинг ҳайкалларига ишланган хомқолип лойиҳалари ҳам қўйилган.* Газетадан.

ХОН 1 *тар.* Туркий ва мўғул халқлари ҳукмдорлари унвони. *Қўқон хони. Хон саройи.* ▬ [*Мулла Фазлиддин:*] *Тошкент хони Маҳмудхон ҳам бизга қарши қўшин тортиб келмоқда эмиш.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Хон кўтармоқ Хон қилиб белгиламоқ. *Мусулмонқул.. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни* [*Худоёрни*] *хон кўтариб, эл елкасига минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу ернинг ўзида унга «Саид Жалолхони соҳибқирон» деб ном берилди ва хон кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 *тар.* Хонлик қилган, хон лавозимидаги шахс исмига қўшилиб, унвон ифодалайди. *Баҳодирхон — Хивада, Худоёрхон — Қўқонда хонлик қилган.*

3 Эркак ва аёллар исмига қўшилиб, ҳурматни ифодалайди, мас., *Оқилхон, Каримахон.*

Ўзи хон, кўланкаси майдон *ёки* **ўзига хон, ўзига бек** Нима хоҳласа, шуни қилади, кўнгли истаганини қила олади маъносидаги ибора. *-Хотинлари ҳам «кимсан — оқсоқолнинг хотинимиз», деб келкайиб, ўзларига хон, ўзларига бек бўлиб, роса зуғумини ўтказишади-да, — деди Юсвали тоға.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХОНА [*ф.* خانه — уй, тураржой, бино] **1** Тураржойнинг алоҳида ажратилган ҳар бир бўлими; бўлма. [*Қизнинг*] *Кўзларига яна ёш қуйилиб келди-ю, чопиб бориб, ўз хонасига кирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Овқатдан сўнг бир оз телевизор кўриб ўтиришди. Кейин ота-болага шу телевизорли хонага жой солиб беришди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Корхона, ташкилот, муассасаларда муайян мақсад учун ажратилган алоҳида жой; бўлма. *У* [*Азиза*] *деворига ҳар хил диаграммалар, портретлар илиб ташланган ўқитувчилар хонасидан ўтиб.. эшикни тақиллатди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бош врачнинг хонасида ўтирган икки киши профессорни кўриши билан ўрнидан турди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

3 Айрим буюм ёки организмларнинг ичида бирор нарса жойлашадиган (етишадиган ёки сақланадиган) чуқурча, ўйиқ. *Ари уя хоналари. Ғўзапўчоқ хонаси.* ▬ *Унинг товуши йўғонлашди, кўзлари хонасидан чиқаёзди, юзлари тиришиб, хунук аломатлар пайдо бўлди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Бунча сочилган ҳарфни жой-жойига қўйиш, қайси хонада қандай ҳарф туришини билмаган Саидий учун кўп қийин иш эди.* А. Қаҳҳор, Сароб

4 *мат.* Ўнли саноқ системасида ёзилган натурал сонда қатнашган рақамлар ўрни.

ХОНАВАЙРОН [хона + вайрон] Уйжойи ёки оиласи бузилган, вайрон бўлган;

бор-будидан айрилган, қашшоқ. *Ахир кафангадо, хонавайрон, бир бурда нон илинжида қамиш-қўғазорлар ичида зор қақшаган бу бечораларнинг тортиб келаётган аламкулфатлари озмиди!* К. Яшин, Ҳамза.

Хонавайрон бўлмоқ 1) бузилмоқ, вайрон бўлмоқ; хароблашмоқ. *Уруш туфайли хонавайрон бўлган мамлакат;* 2) уй-жойдан, мол-мулкдан ажралмоқ, ҳамма нарсадан жудо бўлмоқ, қашшоқлашмоқ. ***[**Қосимбек:**]** Амирзодам, ҳаммамиз ҳам хонавайрон бўлдик. Менинг молу мулкимни талатибдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХОНАДОН [*ф.* خاندان – оила, сулола; насл] **1** Оила. *Қобил карвоннинг қамоққа олиниши Абдураҳмонбой хонадонини қаттиқ ташвишга солиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Оила аъзолари яшаб турган хўжалик, уй, ҳовли. *Шаҳарнинг андазаси чиройли, хонадонлари чорси-чорси бўлиб тушган.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

3 *тар.* Қариндошлик ёки валиаҳдлик ҳуқуқига кўра, бири ўрнига иккинчиси тахтга чиқадиган, ҳокимиятни наслдан наслга ўтказиб, ҳукмронлик қиладиган ҳокими мутлақ ёки монархлар авлоди; сулола. *Маълумки, Темурнинг вафотидан сўнг унинг поёнсиз империясини идора қиларлик бир қўл бу хонадондан чиқмади.* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

ХОНАЗОД [*ф.* خانه‌زاد – бир хонадонда туғилган] **1** Бирор хонадонда туғилиб улғайган. *Отам ўлгандан кейин, мен ҳам бойнинг эшигида хоназод қул бўлиб қолдим.* С. Айний, Дохунда.

2 *фольк.* Уйда боқиб катта қилинган (уй ҳайвони ҳақида) *Чу деса, бир қирдан хатлар Яшин қанот хоназодлар.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ХОНАКИ [*ф.* خانگی – уйга оид, уйда тайёрланган ёки парвариш қилинган] **1** Қўлда тайёрланган; қўлда қилинган. *Хонаки нон. Хонаки туфли.* ▬ *Дастурхонда хонаки печеньелар, атиргул нусха торт ва турли хил мевалар бор эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *с.т.* Махсус тайёрланган; қўлбола. *Хонаки чой дамламоқ. Хонаки палов қилмоқ.*

3 Уйда, хонадонда боқиладиган; парвариш қилинадиган; қўлга ўргатилган. *Хонаки ит. Хонаки гул. Хонаки ўрдаклар.* ▬ *Бу шифобахш ўсимликни [алоэни] истаган ҳар бир киши хонаки қилиб ўстириши мумкин.* «Саодат».

4 Хона ёки уй ичида бўладиган, уйда бажариладиган. *Хонаки базм. Хонаки иш. Хонаки ҳунар.* ▬ *Сотиболди.. тирикчилик учун хонаки бир касб қилишга мажбур бўлди – ҳар хил саватчалар тўқишни ўрганди.* А. Қаҳҳор, Бемор.

ХОНАКИЛАШМОҚ Уй шароитида яшашга, қўлдан овқатланишга ўрганмоқ (ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида).

ХОНАЛИ 1 Маълум миқдорда хонаси бор. *Бектемир дўстлари Дубов, Асқар полвон ва бошқа бир неча жангчилар билан икки хонали бир уйга жойлашди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ота-она вафотидан сўнг у истиқомат қилаётган уч хонали уй карвонсаройга айланди.* Газетадан. *Бир хонали пакана уйин Ёритади ёниб жинчироқ.* Ҳ. Пўлат.

2 Маълум миқдордаги катаги ёки бўлмачалари бор; катакли (жадвал, дафтар, шахмат тахтаси, босмахона яшиги ва ш.к. ҳақида). *Шахмат тахтаси олтмиш тўрт хонали бўлади. Ўн олти хонали яшик.*

3 *мат.* Маълум миқдордаги хонага эга (*қ.* **хона 4).** *Уч хонали сон. Беш хонали сон.* ▬ *100 дан 999 гача бўлган сонлар уч хонали сонлардир.* «Математика».

ХОНАНДА [*ф.* خواننده – ўқувчи, ўқиётган; қори; ашула айтувчи] Ашула, қўшиқ айтувчи санъаткор; ҳофиз. *Навбат таниқли, севимли хонандамиз Алимардон Тўраевга.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Ҳовлининг бир томонида, баланд сўрида хонанда ва созандалар мақомни янгратмоқда.* Мирмуҳсин, Умид.

ХОНАНИШИН [*ф.* خانه‌نشین – хонада ўтирувчи] Доимо уйда ўтирадиган; кўчага, бошқа ёққа чиқмайдиган. *Бобонинг хонанишин бўлиб қолганидан фақат шу қизалоқ хурсанд эди – ахир, у энди ҳеч зерикмайди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

ХОНАСАЛЛОТ *сўк.* Уйинг куйгур, бадбахт. *Сенинг дадангиз зўр, болам. Дадангиз урушда элликта хонасаллот фашистни ўлдирган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ХОНАСИ Бирор ишни амалга ошириш учун қулай пайт, қулай фурсат. *Ҳозир зап сайил қиладиган хонаси-да, ўртоқ Раҳмонқулов.* А. Мухтор, Туғилиш. *У* [*Асрора*] *хонаси келганда ҳеч кимни аямасди.* С. Аҳмад, Уфқ. [*Очилов*] *Ҳар гал планини дўндириб, «қани,*

келаси йилга ким дов?» деб тураверади. Хонаси келса, баъзан кураш ҳам тушади. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ХОНАТЛАС Маҳаллий саккиз тепкили атласнинг энг аъло навларидан бири. *Хонатлас кўйлак.* ▬ *Шанба куни Нуқра станцияга ясаниб келди: хонатлас устида ял-ял ёнарди.* Мирмуҳсин, Нуқра.

ХОНАҚОҲ [*ф.* خانقاه – хилватхона, узлат; дарвишлар макони] **1** *дин.* Масжиднинг намоз ўқиладиган, одатда кенг ва катта хонаси. *Карвонсаройнинг ёнида катта бир хонақоҳ бор эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Кичик масжид қишлоқнинг «этак маҳалла» деб аталган қисмида бўлиб, сиқиқроқ бир хонақоҳ ва торроқ бир айвондан иборат.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *дин.* Суфийлар машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган катта хона ва унинг атрофидаги ҳужралар. *Йилига бир зикру сано бўладиган хонақоҳ ҳувуллаб ётибди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Маҳалла, қишлоқ масжидларининг томи гумбазли ёки текис бўлган қишки қисми.

ХОНАҚОҲНИШИН [*ф.* خانقاه نشين – хонақоҳда ўтирувчи] Хонақоҳдан чиқмасдан тоат-ибодат билан шуғулланадиган, кўпинча умрини хонақоҳда ўтказадиган; тарки дунё қилган. *-Эшонтўра ҳазратлари машҳур хонақоҳнишин шайхлардан бўлмасалар ҳам, кашф-каромат эгаси, «соҳиби ҳол» бир кишидирлар, – деб Исомиддин жавоб берди.* С. Айний, Дохунда.

ХОНЗОДА [*ф.* خانزاده – хондан туғилган, хоннинг боласи] **1** Хоннинг фарзанди (ўғли ёки қизи), хон авлоди. *Подшозодами, хонзодами, хўжазодами, албатта, бир ерда нишонаси бўлади.* «Равшан».

2 Зодагонлар табақасига мансуб; асилзода; тагли-тугли. *Гўлахдан чиққан таги пастни бошингизга урасизми, олсангиз – бирор хонзодани олинг, деб минг марта айтдим, қулоқ солмадингиз.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Хонзода (хотин-қизлар исми).

ХОНИМ I **1** Аёлларга ҳурмат юзасидан мурожаат қилганда қўлланадиган сўз. *Қудамиз Мирзакарим қутидорга ва қудачамиз хонимга етиб маълум бўлгайким, бизлар бунда соғ-саломатдирмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳурмат юзасидан аёллар исмига қўшиб айтилади, мас., *Мукаррама хоним, Тамара хоним, Ҳалима хоним.* ▬ *Ой юзли рафиқам, қундуз қошли маъшуқам Кумуш хонимга!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *с.т.* Гўзал, барно аёл; хушбичим жувон. *Ҳой-ҳой, хоним, йўл бўлсин, Қаерга йўрғалайсиз!* «Қўшиқлар».

ХОНИМ II Хамир орасига қийма солиб, қасқонда пишириладиган овқат.

ХОНИШ [*ф.* خوانش – ўқиш; куйлаш; нола] **1** Ашула айтиш, куйлаш. *То ярим кечагача умрида ўйин-кулги кўрмаган чўлда ҳофизлар хониши эшитилди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *«Волга»нинг радиоси тинимсиз хониш қилади.* «Муштум».

2 Сайраш. *Булбуллар хониши сира тинмасди.* ▬ *Азим балхи тут шохида саъва хониш қилади.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

ХОНЛИК *тар.* **1** Хон лавозими. *Халқ чин хонлик билан уни* [*Худоёрни*] *муборакбод қилишдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Исфандиёрга.. хонлик либоси: зар чакмон, бошига жиғали шерозий папах кийгизишиб, белига олтин қилич тақиб, қўлтиқлаб, тахтга ўтқаздилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Хон бошқарадиган давлат ва шундай давлат тузуми. *Қўқон хонлиги. Хива хонлиги.*

ХОНТАХТА [*ф.* خوانتخته < خوان – безатилган дастурхон + تخته – тахта] Ўтириб овқатланиш учун хизмат қиладиган, оёқлари калта ёғоч стол. *Хонтахта атрофига кўрпача солмоқ.* ▬ *Хосият хола лагандаги ошни келтириб, хонтахтага қўйди.* Р. Файзий.

ХОНУМОН [*ф.* خانومان / خانمان – оила, оила аъзолари; хонадон ва ундаги мол-мулк] Бирор шахсга тегишли мол-мулк, бор бисот, бойлик. *Хонумонидан айрилмоқ.* ▬ *-Одамлар севгисини деб, хонумонидан ҳам, жонидан ҳам кечади, – дейди Суннатилла.* А. Эшонов, Тошдан қаттиқ, гулдан нозик. [*Зуҳра бегим:*] *Хон ҳазратлари!.. Фарзандимни, хонумонимни – ҳаммасини марҳаматингизга ишониб топширдим!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХОНҚИЗИ *зоол.* Танаси яримшар шаклидаги, устки қисмида холлари бўладиган ярқироқ тусли қўнғиз. *Ўргимчак тўқир оқ толалар, Хонқизи боради меҳмонга.* Ш. Раҳмон.

ХОР I [*ф.* خوار – ҳақир; бечора, бадбахт] **1** Беэътибор; камситилган, таҳқир-

ланган. *Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўкасиз, бу деб сўкасиз, бас-да шунча хўрланганим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ночор аҳволга тушган; ғоят қашшоқ. *Ҳунар — зар, ҳунарсиз — хор.* Мақол. *Ҳунарли эл хор бўлмас.* Мақол.

3 Бекадр, қиммати тушган. *Бозорда мевалар хор.*

Хор бўлмоқ Бекадр, беҳурмат бўлмоқ. *[Муқимий:] Ҳақиқат истаганлар бўлдилар хор, Кимики муттаҳамдур, юртга саркор.* С. Абдулла, Ота ва ўғил. **Хор қилмоқ (***ёки* **тутмоқ)** Бекадр, беҳурмат қилмоқ; аянчли аҳволга солмоқ. *Бу уч болани Нодира хор қилиб қўйишни истамаса ҳам, эрининг фақирлиги бунга моне эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [*Ўзбек ойим Зайнабга:*] *Келинни хор тутар экан, демасинлар, сен ҳам ўзингни тузат!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОР II [*ф.* خار — тикан, тиканак] *кт.* Гул тикани. *Гул деб санчиб эдим бошимга, Қуруқ тикан, хор эканин билмадим.* Фозил Йўлдош ўғли.

ХОР III [*юн.* choros — даврa ўйин қўшиғи] **1** Вокал ашулаларни биргаликда ижро этувчи, 12 кишидан ортиқ бўлган ашулачилар жамоаси. *Хор ансамбли. Хор ижрочилари.*

2 Шундай жамоа ижроси учун ёзилган кўп овозли мусиқа асари. *..Тўхтасин ака уларга [ҳаваскорларга] янги ёзилган хор ва лапарлар ўргатар эди.* С. Абдулла, Халқ бастакори.

ХОРВАТ Хорватияда яшовчи халқ, миллат номи.

ХОРВАТЛАР Хорватия давлатининг асосий аҳолиси; хорват-серб тилида сўзлашувчи халқ (Сербия, Босния, Герцеговинада ҳам яшайди). *Хорватларнинг қадимий маросим, эпик, рақс, лирик ва бошқа халқ қўшиқлари ҳозиргача давом этиб келаётир.* «ЎзМЭ».

ХОРГУЛ [*ф.* خارگل — тиканли гул] Наъматакнинг сариқ очиладиган бир тури.

ХОРЕОГРАФИК Хореографияга оид. *Хореографик санъат.*

ХОРЕОГРАФИЯ [*юн.* choreia — даврa рақс + grapho — ёзаман] Махсус шартли белгилар ёрдамида ёки сўзлар билан рақс ҳаракатларини ёзиш. *«Хореография» атамаси дастлаб Р. Фёйе томонидан «Хореография ёхуд рақс ёзуви санъати» китоби (1700)да қўлланган.* «ЎзМЭ».

2 Халқ рақс йўналишидаги ва балет спектаклларини яратиш санъати; умуман, рақс санъати ёки балет театри.

3 Рақс санъати. *Ёш балерина* [*Бернора Қориева*] *1955 йилда Москва хореография билим юртини тугатди.* «Саодат».

ХОР-ЗОР, хору зор 1 Оғир, аянчли аҳволга тушган; таҳқирланган. *Сув келтирган хор-зору кўза синдирган азиз.* Мақол. ▬ *Ҳеч кимга хор-зор бўлмай, деб тиришиб-тирмашиб ётибман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўта қашшоқ, муҳтож. *Кўрпа-ёстиғини орқалаб, хор-зор юрган одамларнинг саноғи йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХОР-ЗОРЛИК Оғир, аянчли шароит. *Бобур мутелигу хор-зорликдан кўра бир ўлимни бўйнига олиб, Шайбонийхонга йўлбарсдай дадил ташланишни афзал кўрган, бекларини ҳам шунга кўндирган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХОРИЖ [*а.* خارج — чиқувчи; четга чиқиш; ташқи, ташқаридаги] **1** Бирор нарсадан холи, озод, бўш (одам ҳақида). *Ўртоқ Мансур, мени шу ишдан хориж қилиб қўйиш яхши бўлар эдими, дейман.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

2 Хорижий мамлакат; чет эл. *Нонуштадан кейин.. хорижда ишлаган, кулранг дипломат кўтарган бир киши кириб келди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ХОРИЖИЙ [*а.* خارجى — ташқи, ташқаридаги; ўзга, бегона; ажнабий] **1** Мамлакатимиздан ташқаридаги, чет элдаги. *Хорижий давлат. Хорижий матбуот.* ▬ *Бобур хорижийлар сафарига чиққанда, замин ва маъдан ҳақидаги маълумотларни.. ёритишга уринди.* «Фан ва турмуш».

2 Чет эл кишиси, чет эллик. *У* [*Мурод мирзо*] *бу ерга тўпланадиган хорижийларнинг баҳсларини тинглашни яхши кўрарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ХОРИҚУЛОДДА [*а.* خارق العاده — ғайритабиий, ғайриодатий] *эск. кт. айн.* **фавқулодда.** *Хориқулодда ҳодиса.*

ХОРЛАМОҚ Қадр-қимматини туширмоқ, камситмоқ, хор қилмоқ. *Нонни хор қилган унга зор бўлади.* ▬ *Наҳотки ёшлигида бирга катта бўлган бир манқага кўзи тушгани учун шунча хорласа-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХОРЛИК Хорланиш; камситилиш. *Бошимизга тушган неки кулфат бўлса, бадбахтлик, зулм, хорлик бўлса, бари шундан, нафсимиздан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХОРЛИК-ЗОРЛИК *айн.* **хор-зорлик**. *Сидиқжоннинг онаси Хадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган, лекин ҳамма қишлоқ қарияларидай кексаликка сўз бермайдиган, ғайратли, тетик эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ХОРМЕЙСТЕР [*юн.* choros + *нем.* Meister – раҳбар, уста] Хор раҳбари, хор дирижёри (*қ.* **хор** III). *Хормейстер касби 19-аср ўрталаридан дунёвий хор санъати ва концерт ижрочилигининг жадал ривожи туфайли қарор топди.* «ЎзМЭ».

ХОР-ХАС, хору хас Ҳар турли хас, хасчўп, хас-хашак. *Хоинлар ўчоққа хор-хас териб келар.. эдилар.* А. Мухтор, Чинор. *Олиб кетгил боғимни буткул, Қолдирмагил ҳатто хору хас. Олиб кетгил боримни, фақат Юрагимни бериб кетсанг бас.* Уйғун.

ХОС [*а.* خاصّ – махсус, алоҳида; хусусий, шахсий] **1** Бирор кимса ёки нарсанинг ўзигагина оид, ўзидагина бўладиган. *Болаларга хос қилиқ. Раҳбарнинг ўзига хос иш услуби.* ▬ *Клара аёлларга хос чиройли ҳаракат билан сочини орқасига ташлаб юборди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Чол.. кексаларга хос боқиш билан бир зум тикилди: -Кел, чироғим, нима хизмат?* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўзига хос Ажралиб, фарқланиб турадиган. *Шаҳримиз меъморчилик қиёфаси ўзига хос гўзалликка эга.* Газетадан.

2 Бирор шахснинг ўзигагина тегишли бўлган, ўзигина фойдаланадиган; шахсий. *Оқ отлиқ Бобур мирзо юздан ортиқ беклари ва хос навкарлари билан.. тоғ этагига яқинлашиб қолган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХОСА(КИ) *фольк.* Наслдор, учқур. *Жонивор узоқдан чопиб келибди, Хосаки тулпорда, совиб келибди.* «Равшан».

ХОСИЯТ [*а.* خاصيّت – алоҳида белги, хусусият; ўзига хослик] **1** Ижобий хусусият, яхши фазилат, хислат. *Меҳнатда бор кўп хосият, шарофат, Бел боғласа меҳнатга ким, азиздир.* Ҳабибий. *-Рост, бу келиннинг ҳуснидан ҳам бошқа яна тағин бир алоҳида хосияти борга ўхшайдир, – деб кулар эди* [*Ўзбек ойим*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Хосияти йўқ Ижобий натижа бермайдиган; яхшиликка олиб бормайдиган; фазилатсиз. *Бу ишнинг хосияти йўқ. Кўп йиғлама, кўз ёшининг хосияти йўқ.*

2 Хосият (хотин-қизлар исми).

ХОСИЯТЛИ Яхши хусусиятга эга; ижобий натижа берадиган; фазилатли. *Бу ернинг офтоби, шамоли, суви ана шундай хосиятли.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Умидвор инсонлар, уни олқишланг, Фақат хосиятли бўлади баҳор.* А. Орипов. *-Сенинг пойқадаминг хосиятли келди, ўғлим, золим Асфандиёр зулми барбод бўлди, – деб эди Қурбон ота.* Н. Сафаров, Севги.

ХОСИЯТСИЗ *айн.* **бехосият.** [*Заргаровнинг*] *Кўнглида нимадир қаттиқ дарз кетган хосиятсиз оқшом кўз олдида гавдаланди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек халоват. *Вайроналар азалдан хосиятсиз жой ҳисобланган.* «Ёшлик».

ХОСЛАНМОҚ Махсуслашмоқ, мослашмоқ. *Бироқ бу сўз.. фақат бир муносабатни – зидлов-кучайтирув муносабатини ифодалашга хосланиб қолган.* «ЎТА».

ХОСЛИК Бирор нарсага хос бўлишлик. *Бу ғайритабиийликни Зулфиқор билан Заврак қиз феълидаги ўзига хослик деб тушунишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ХОССА [*а.* خاصّه – алоҳида белги, хусусият; ўзига хослик] Муайян нарсанинг бошқа нарсалардан фарқини, ўзига хослигини билдирувчи белгилар. *Биологик мембраналарнинг яна бир ноёб хоссаси – ионларни термодинамик усулда ташишдир.* «Фан ва турмуш».

ХОСХОНА [хос + хона] **1** Катта мансаб эгалари ёки ҳукумат бошлиғи турадиган жой, сарой; резиденция. *Гилам устига хонтахта қўйилиб, дастурхон ёзилган, шийпон тўридаги эшикдан кириладиган хосхона эса бутун бир гарнитур, анвойи жиҳозлар билан безатилган эди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

2 Бирор шахснинг ўзига тегишли бўлган, ўзигина фойдаланадиган уй, хона. [*Табибий ва Аваз*] *Қанча йиллардан бери дилга туташ ўша қадрдон хосхонага кирдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Зубайданинг хосхонаси. Токчаларга мис кўза.. пиёлалар тартиб билан териб қўйилибди.* К. Яшин, Ҳамза.

ХОТАМ [*а.* خاتم – узук; кўзига муҳр ўйиб туширилган узук] *эск. кт.* Имзо ўрнини

босиш учун мактуб охирига чекиладиган, мактуб эгасининг номи ўйилган тамға, муҳр.

ХОТИМА [*а.* خاتمه – охир, ниҳоя; нутқнинг якунловчи қисми] **1** Бирор нарса, воқеанинг якуни, тамом бўлиши. *Бу якун, бу хотима Толиб акага мутлақо ёқмади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Бадиий ёки илмий асарнинг охирги якунловчи қисми, хулоса қисми; эпилог. *Аваз ҳикоят хотимасида берилган бир байтга кўз югуртириб қизарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Хотима бермоқ Барҳам бермоқ; тугатмоқ. *Энди Марғилон қатнаб юришларга хотима берилгандек ва Марғилон ҳам ундан [Отабекдан] «Тағин менда нима ишинг бор?» деб сўрагандек бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хотима ясамоқ** Хулоса ясамоқ, якунламоқ, тугатмоқ [*Домла*] *Ғуломжонга ўқрайиб, гапига хотима ясади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХОТИН 1 Жинсий жиҳатдан эркак тоифасига зид, фарзанд кўриш, эмизиш қобилиятига эга одам; аёл. *Бозорқулнинг онаси жуда чиройли хотин эди..* А. Мухтор, Чинор.

Хотин киши *айн.* **хотин.** *-Ёшинг йигирма бешга қараб кетяпти, — деди онаси, — хотин киши ўттизга кирса, ўтин бўлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бирор эркак никоҳидаги аёл. *Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши.* Мақол. ■ *У* [*меъмор*] *тўғри уйга қайтиб келди-да, бор гапни қизи Бадиа билан хотини Маъсума бекага айтиб, ўрнига чўзилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Хотин олмоқ Уйланмоқ. [*Раҳматилла*] *Аста-секин ўзини ўнгарди, уй-жой қилди, хотин олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Хотин оши** Тўйда хотинларни махсус чақириб ўтказиладиган маросим ва унда бериладиган ош. **Хотин пешин** Хотинларнинг пешин намозини ўқийдиган вақти (кундуз соат 4–5 лар чамаси). **Хотин талоқ** *қ.* **талоқ** I **2**. **Хотин қўймоқ** Хотини билан ажрашмоқ.

ХОТИНАК: хотинак супурги *қ.* **супурги 1.**

ХОТИНБОЗ [хотин + *ф.* باز – ўйновчи; ишқибоз] *салб.* Тез-тез хотин олиб, хотин қўядиган. *[Қиз] Онасининг.. ўксиб-ўксиб йиғлаётганини ҳам, ер ютгур «ўша» хотинбозни қарғаётганини ҳам эшитмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХОТИНЁНҒОҚ Бодомнинг бир тури.

ХОТИНЛИ Хотини бор, уйланган. *Кумушнинг гўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзумандлар.. қутидорникига совчиларни турнақатор юбора бошлаган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОТИНЛИК 1 Хотин, аёл бўлишлик. *Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Хотинликка олмоқ Бирор хотинни ўз никоҳига ўтказмоқ, уйланмоқ. *Бой хотинликка олгандан кейин, ўғли ҳам бирдан ўлиб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Хотинларга, хотин-қизларга хос хусусият, хислат, фазилат. *Хотин кишини ҳамма вақт ноумид, норози кўриб ўрганган ва буни хотинлик латофати деб билган Сидиқжонга бу жувоннинг гаплари, катта ишонч ва зўр мамнуният билан гапириши унча ботмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *с. т.* Хотинли. [*Заргаров:*] *Сиздан бир оғиз сўз! Бир оғиз! «Мен Заргаровнинг хотини эмасман, ўйнашиман», десангиз қутулиб кетаман. Хотинлик эркак ўйнаш тутмасин, деган закон [қонун] йўқ! Йўқ!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ҳамма кўп хотинлик оилаларда бўлгани каби, Искандар ҳам бир хотинига [Равшанакка] кўпроқ меҳр қўяди..* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

ХОТИНПАРАСТ [хотин + *ф.* پرست – яхши кўрувчи, таъзим қилувчи] **1** Ўз хотинини ўта даражада севадиган, хотинига берилиб кетган.

2 *айн.* **хотинбоз.**

ХОТИНСИЗ Хотини йўқ, уйланмаган; бўйдоқ. *Хотинсиз эркак. Хотинсиз ўтиш — хато, Боласиз ўтиш — жафо.* Мақол.

ХОТИНСИЗЛИК Хотини йўқ бўлишлик; уйланмаганлик.

ХОТИНФУРУШ [хотин + *ф.* فروش – сотувчи] *тар.* Хотинларни олиб сотиш билан шуғулланувчи; эркакларга хотин топиб бериш орқасида тирикчилик қилувчи. [*Ғофир:*] *Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ХОТИН-ХАЛАЖ *с. т.* Хотин-қизлар, аёллар. *Остонада.. тўрт-беш хотин-халаж тўпланиб турар.. эди.* Ў. Ҳошимов, Қал-

бингга қулоқ сол. *Хотин-халаж тағин йиғи кўтарди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ХОТИ́НЧА I *айн.* **хотинчасига.** *Хотинча юриш. Хотинча ўйинга тушмоқ.* ▬ *Ҳамманинг диққати хотинча кийинган ва эшик ёнида ерга қараб турган йигитга жалб бўлди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ХОТИНЧА́ II **Хотин 2** с. кичр.

ХОТИНЧАЛИШ Қилиғи ёки хатти-ҳаракати билан хотинларга ўхшаган, хотинларни эслатадиган (эркак киши ҳақида). *Шукуржон билан бирга узун бўйли, ингичка, хотинчалиш бир йигит ҳам имтиҳон топширган эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Кимдир хотинчалиш хунук товуш билан йиғлаб, бурнини артарди..* А. Мухтор, Чинор.

ХОТИНЧАСИГА *рвш.* Хотинларга ўхшаб; хотинларга хос равишда. *-Яхшироқ ишласа, тўпласа бўлади, — деди Кимсан чўнтак тиккан ипини хотинчасига тиши билан «қирс» этиб узиб.* А. Мухтор, Туғилиш.

ХОТИН-ҚИЗЛАР Аёллар ва қизлар; аёллар ва қизларнинг умумлаштириб айтилиши. ▬ *..эркаклар билан хотин-қизларнинг ҳаққи-ҳуқуқи тенг бўлгандан кейин бирининг иккинчиси олдидаги масъулияти ҳам тенг бўлиши керак.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Хотин-қизлар консультацияси Малакали гинекологлар ёрдам кўрсатадиган, маслаҳат берадиган даволаш-профилактика муассасаси.

ХОТИР [*а.* خاطر — ўй, фикр; ғоя; ақл, фаросат; қалб; истак] **1** Эсда сақлаш, эслаб қолиш, эсга тушириш қобилияти; эс, ёд; хаёл. *Хотиримда: илк бўса бизни Ҳаддан зиёд қилмиш эди шод.* Уйғун. *Гиёҳларнинг номлари ҳам ёдимдан чиқай деган экан, бир-бир хотирда тиклаб чиқдим.* М. М. Дўст, Лолазор.

Хотирга келмоқ Эсга тушмоқ. *Жаноби меъмор, бу тошлардан зинапоя тарашлаш хотирларига келмабдир-да.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Хотирда тутмоқ** Эсда сақламоқ. **Хотирдан кечмоқ** Эсга тушмоқ. *Ёшлик йилларим хотиримдан кечди.* ▬ *Ҳакимбойвачча ёлғиз қоларкан, унинг маълум ва чала маълум кирдикорларини бир-бир хотирдан кечирди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Хотирдан кўтарилмоқ (***ёки* **чиқмоқ)** Эсдан чиқмоқ. *Сизга бу гапни айтиш хотиримдан кўтарилибди*

2 Ўйлаш, фикрлаш қобилияти; фикр; мия. *У ёқимли овоз ва шўх оҳангни бутун вужуди билан тинглади. Тинглаган сайин хотири равшанлашарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Бирор кимса учун қилинадиган ҳурмат; юз-хотир, андиша. *-Хўп, синф раҳбаринг хотири* [*туфайли*].. *гуноҳингдан ўтиб турамиз, — деди директор Тўлага.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Ҳеч бўлмаганда иккита боласининг хотири учун хотинини ҳурмат қилиши лозим эди.* И. Акрам, Адолат.

Хотири жам Ташвишлардан қутулган, беташвиш. *-Ҳамиша дадил бўламиз, Зайниддин ака, хотирингиз жам бўлсин, — деди ўзича [Зайниддин].* С. Кароматов, Бир томчи қон. **Хотири паришон** Хаёли сочилган; фикри тарқоқ; паришонхотир. [*Лутфинисо*] *Қудалари кўрсатган эъзоз ва эътибордан мамнун бўлса-да, унинг хотири паришон, кўнгли нотинч эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХОТИРА [*а.* خاطره — фикр, тафаккур; ғоя; хаёл] **1** *айн.* **хотир 1**. *Хотираси кучли одам.* ▬ *Зиёда тийрак қора кўзлари билан кулди ва шу қиёфада Заргаровнинг хотирасига ўрнашиб қолди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги ёдда, эсда сақланган таассурот. *Саёҳат хотиралари.* ▬ *У* [*Мансур*] *Боғишамол нафасини, ўтмиш сўқмоқларида қолган бебаҳо болаликнинг азиз хотираларини олиб келган бу йигитга ҳавас билан қарар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Эсдалик, ёдгорлик. [*Ботир Дилбарга:*] *Салом! (китобни узатиб) Мендан сизга хотира.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *[Чақалоқнинг] Отини Шавкат қўяман! Шавкат! Шавкатли кунларимдан хотира бўлсин! — дерди [Алимардон].* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

Хотира дафтари Хотира, эсдаликлар ёзиладиган махсус дафтар. *Хотира дафтарларим орасидан йўқотиб юрган кўк дафтарчам чиқиб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Хотира (хотин-қизлар исми).

ХОТИРЖАМ [*а.* خاطرجمع — тинч, бамайлихотир; мамнун, ўзига ишонган] Беташвиш, осойишта. *Аҳмад хотиржам ва жиддий эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Хотиржам бўлмоқ Бирор ишнинг натижаси яхши бўлганлигига ёки бўлишига ишонч ҳосил қилмоқ; руҳан тинчланмоқ. *У врач кабинетидан хотиржам бўлиб чиқди-да,*

телефон будкаси томон йўл олди. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. **Хотиржам қилмоқ** Тинчлантирмоқ. *Мударрисов, қўяверинг, ҳеч қаёққа кетмайди, деган маънода кўз қисиб, уни хотиржам қилди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ХОТИРЖАМЛАНМОҚ *кам қўлл.* Хотиржам бўлмоқ; тинчланмоқ. *У хотиржамланиб, ишини давом эттирди.*

ХОТИРЖАМЛИК 1 Руҳан тинч бўлишлик, осойишталик. *Ўзимдаги бундай ногаҳоний журъат ва хотиржамликдан бир зум ҳайратга тушдим.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Бирор кимса ёки нарса халақит бермайдиган тинч шароит. [*Низомжон:*] *Бошқа бир келасизлар энди хотиржамликда.* А. Муқимов, Ғалати одамлар. [*Холмат Рузвонга:*] *Келинг, ойимпошшо! Хотиржамликда сўзлашиб, ҳасратлашиб олайлик!* Ҳамза, Ким ўғри?

3 Беғамлик, бепарволик. *Хотиржамликка берилиш кайфияти.* ▬ *Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ҳам подшоларнинг ғурурга, кайф-сафога, хотиржамликка.. берилиши оқибатида мамлакат ва халқни ёмон аҳволга солиб қўйишини кўрсатиб беради.* «ЎТА».

ХОТИРЛАМОҚ Бирор кимса, нарса ёки таассуротни эсга олмоқ, эсламоқ. *Ўтмишни хотирламоқ.* ▬ *Узоқ ёшлигини хотирлади у, Яна ҳавас билан ўғлига боқди.* А. Мухтор. *Қиз бутун вужудини тўсатдан қоплаган оғриқ билан онасини хотирлади..* Ойбек, Танланган асарлар.

ХОТИРОТ [*а.* خاطرات — «хотира» с. нинг кўпл.] **1** Хотиралар. *Қайта тиклаш мумкин барчасин, фақат Қайта тикланмагай ўчган хотирот!* А. Орипов.

2 Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги таассурот, кишининг кўрган-кечирганлари. *Отабек Шамай хотиротини сўзлаб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОЧ [*ф.* خاچ < *арманча*] Вертикаль ўқ ва унга кўндаланг қадалган бир ёки ундан ортиқ ходадан иборат предмет, христианликнинг асосий тимсолларидан бири; бут, крест, салиб. [*Қабр устига*] *Кўплашиб ёлғиз бир хоч қўйишдиларноилож.* Ҳ. Олимжон. *Христианлар ривояти бўйича, Исо хочга михлаб ўлдирилган.* «ЎзМЭ».

ХОҚОН *тар.* Қадимги туркий халқлар ва мўғуллар ҳукуматида йирик давлат бошлиқларининг энг олий унвони ва шу унвонни олган шахс. *Хитой йилномаларида хоқонларнинг тахтга чиқиш маросими ҳақида кенг тафсилотлар берилган.* «ЎзМЭ».

ХОҚОНИЙ Хоқонларга хос. [*Ойхола Холисхонга:*] *Бўлмаса, бундай хоқоний давлатни қўйиб, қайга борасан!?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ХОҚОНЛИК *тар.* **1** Хоқон лавозими. *Хоқонликдан воз кечмоқ.*

2 Хоқонга қарашли давлат ёки мамлакат. *Хазар хоқонлиги. Уйғур хоқонлиги.* ▬ *Турк хоқонлиги даврида, жумладан, 6—8-асрларда Марказий Осиёнинг бир қанча ўлкаларида.. «хоқон» унвони билан тангалар чиқарилган.* «ЎзМЭ».

ХОҲ [*ф.* خواه — хоҳловчи; гоҳ.. гоҳ..] *боғл.* Айрим гаплар ёки гап бўлакларини ўзаро боғлаб, «ёки», «ёхуд», «майли», «хоҳласа», «бўлса ҳам» каби маъноларда такрор ҳолда ишлатилади. *Хоҳ келсин, хоҳ келмасин — менга бари бир. Хоҳ ёш, хоҳ қари — ҳамма тўпланди. Хоҳ бугун, хоҳ эртага.* ▬ *Ҳар нарсадан азиз бу ер тупроғи: Қадамни хоҳ кўзим, хоҳи ерга қўй!* М. Алавия.

ХОҲИШ [*ф.* خواهش — илтимос; истак, хоҳлаш] Бирор нарсани хоҳлаш, исташ, истак. *Сувнинг оқишига қара, Халқнинг хоҳишига қара!* Мақол. ▬ *-Мусобақада ютиб чиқиш учун энг аввал ғалаба қилишга зўр хоҳиш ва.. ишонч керак, — деган эди Норжон ака.* Ф. Мусажонов, Чиқинди. У *[Жайнак мирзо] ҳол-аҳвол сўраб келганларни Ҳожи отанинг хоҳиши билангина ичкарига қўярди.* «Ёшлик».

ХОҲЛАГАН 1 Хоҳламоқ фл. сфдш. *Бозорда хоҳлаган нарсангиз топилади.*

2 Ҳамма; ҳар бир, ҳар қандай. *Бу журналга хоҳлаган одам аъзо бўлиши мумкин.* ▬ *Пул билан деҳқоннинг оёғига кишан ур. Шундай қилсанг, хоҳлаган шартингга кўнаверади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХОҲЛАДИМ 1 *с.т.* **Хоҳламоқ** фл. 1-ш. ўтг. зам., аниқлик майлидаги шакли. *Мен шундай қилишни хоҳладим.*

2 *кўчма с.т.* Никоҳдан расман ўтиш жойи. *Йигитали келин-куёвнинг мақсади, борар манзилини билса ҳам.. сўради: -Ҳа, йигитнинг гули, йўлингиз бўлсин? -Хоҳладимга кетаяпмиз.* Т. Малик, Ажаб дунё.

ХОҲЛАМОҚ 1 Бирор нарсага ўзида эҳтиёж сезмоқ, унга эришишни истамоқ. *Меъморни ўз ҳолига қўйиб бериш керак. У*

шуни хоҳларди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Насибанинг ўзи ўқишни хоҳламаса, ҳеч кимга гап тегмайди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ёши ортиб бораётган ҳар бир қиз, ҳар бир жувон сингари Тўрахон бола кўришни хоҳлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Худо хоҳласа Гап бошида қўлланиб, муайян ният албатта амалга ошсин, деган мазмунни билдиради. *Худо хоҳласа, ўзингиз ёр-ёр айтиб, гўшангага ўзингиз олиб кирасиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Ўз хоҳиши билан танламоқ, рози бўлмоқ (қиз ёки йигит ҳақида). [*Она қизига:*] *Унга йўқ дейсан, бунга йўқ дейсан, кимни хоҳлайсан ўзи? ..Ё бировга билан гап бериб юрибсанми?* «Ёшлик». «*Мен Азимжон акамни хоҳладим, яхши кўраман, тегмасам — ўламан» дегани ёлғон экан-да?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХОҲ-НОХОҲ [*ф.* خواه ناخواه — истар-истамас, хоҳлаб-хоҳламай] Истар-истамас, чин кўнгилдан хоҳламаган ҳолда. *Хоҳ-нохоҳ шундай қилишга мажбур бўлдим.*

ХРЕН [*р.* хрен] *қ.* **ерқалампир**.

ХРЕСТОМАТИЯ *эск.* [*юн.* chrestos — яхши, фойдали + manthano — ўрганаман, ўқийман] Таниқли ёзувчилар ёки олимларнинг танланган асарларидан ёки улардан парчалардан тузилган тўплам шаклидаги ўқув қўлланмаси. *Адабиёт хрестоматияси.*

ХРИЗАНТЕМА [*юн.* chrysanthemon < chrysos — олтин + anthemion — гул] Мураккабгуллилар оиласига мансуб, қатма-қат тўпгуллари турли рангда чиройли бўлиб очиладиган манзарали ўсимлик ҳамда шу ўсимликнинг гули. *Японияда баққоллик дўконида хризантема сотилаётганини кўриб қолган киши ажабланмайди.* «Фан ва турмуш».

ХРИСТИАН 1 [*юн.* Christos — пешонасига мой суртилган (подшо); Иисус Христос (Исо пайғамбар) номидан] Христианлик динига эътиқод қилувчи шахс. *Христианлар ўпар эди Инжилни.* М. Шайхзода.

2 Христианликка оид. *Христиан черкови. Христиан жамоалари.*

ХРИСТИАНЛИК Милоднинг 1-асрида Рим империясида Исо пайғамбарга, яъни Иисус Христосга эътиқод қўйиш асосида вужудга келган, ҳозирги вақтда жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. *Христианлик таълимоти.* ▬ *Ҳозирги кунда Ўзбекистонда христианликнинг турли оқимларига мансуб диндорлар яшайди.* «ЎзМЭ».

ХРОМ I [*юн.* chroma — ранг, бўёқ] **1** Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент; зангори-кумуш тусли, қийин эрийдиган қаттиқ металл (кўпгина қотишмаларнинг зарурий компоненти). *Хром кислотаси.* ▬ *Хром Ер пўстининг масса жиҳатидан 0,035% ини ташкил этади.* «ЎзМЭ».

ХРОМ II Хром тузлари билан ишлов бериб тайёрланган юмшоқ, юзаси тўрсимон нақшли, ялтироқ юпқа тери. [*Баширжон*] *«Қизил этик ҳозир мода эмас, — деб ўйлади. — Қора хромдан тиктириш керак».* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ХРОМЛАШ *ким.* Пўлат ва темирдан ясалган буюмларнинг чидамлилигини, коррозиябардошлигини ошириш ёки уларга безак бериш мақсадида уларни юпқа хром қатлами билан қоплаш.

ХРОМО- [*юн.* chroma — ранг, бўёқ] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзнинг рангга ёки кимёвий элемент — хромга алоқадорлигини билдиради, мас., *хромосома.*

ХРОМОСОМАЛАР [хромо.. + *юн.* soma — тана] Ҳайвон ва ўсимлик ҳужайралари ядроларининг доимий таркибий қисми бўлган ва ҳужайранинг бўлиниш даврида тегишли ранг берилганда яққол кўринадиган, ўз-ўзидан кўпаювчи тузилмалар. *Хромосома касалликлари.* ▬ *Ҳар хил турга мансуб организмлар бир-биридан хромосомалар сони ва уларнинг тузилиши билан фарқ қилади.* «ЎзМЭ».

ХРОМОСФЕРА [хромо.. + сфера] Қуёш атмосферасининг 7—8 минг километр қалинликдаги, қирмизи рангдаги қатлами.

ХРОНИК [*юн.* chronos — вақт] *қ.* **сурункали.** *Хроник касаллик.*

ХРОНИКА [*юн.* chronikos — вақтга, даврга оид, алоқадор] **1** *қ.* **йилнома**.

2 Ижтимоий ёки оилавий воқеаларнинг изчил баёнини ўз ичига олувчи адабий жанр.

3 Вақтли матбуотда кундалик воқеа-ҳодисаларни ёритишга бағишланган қисқа ахборот; жанр. *Газетанинг хроника бўлими.*

4 Кундалик, жорий воқеа-ҳодисалар ёритилган ҳужжатли фильм.

ХРОНИКАЛ Хроникага оид (*қ.* **хроника 4**). *Кино соҳасида олиб борган 20 йиллик фао-*

лиятим давомида Ўзбекистон тўғрисида 20 га яқин хроникал-ҳужжатли фильмларни суратга олдим. Газетадан.

ХРОНО- [*юн.* chronos – вақт] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзнинг вақтга, даврга алоқадорлигини билдиради, мас., *хронология, хронобиология.*

ХРОНОБИОЛОГИЯ [хроно + биология] Замонавий биологиянинг турли хил биологик жараёнларнинг муайян вақтда кечишини, уларнинг манбаи ва механизмларини ўрганувчи соҳаси.

ХРОНОЛОГИК Хронологияга асосланган. *Бу танга пуллар хронологик жиҳатдан узоқ тарихга эга.*

ХРОНОЛОГИЯ 1 [хроно.. + *юн.* logos – фан, таълимот] **1** Воқеа ёки ҳодисаларнинг даврий изчилликдаги баёни, рўйхати. *Зеро, уйдирмасиз ҳар қандай асар яланғоч воқеалар хронологиясидан иборат бўлиб қолар.. эди.* «ЎТА».

2 Вақт ўлчови ҳақидаги, тарихий воқеалар ва ҳужжатлар санасини аниқловчи қўшимча тарих фани. *Астрономик хронология. Тарихий хронология.* ▬ *Ҳозирги пайтда хронологиянинг тараққиёти бу фаннинг археология, табиий фанлар, статистика ва бошқалар билан ўзаро ҳамкорлигига боғлиқдир.* «ЎзМЭ».

ХРОНОМЕТР [хроно.. + метр] Вақтни жуда тўғри, аниқ кўрсатадиган, экспедицияда, кемада сузишда қўлланадиган махсус кўчма соат.

ХРОНОМЕТРАЖ [хроно.. + метраж] Ишлаб чиқаришда қўлда ёки машинада бажариладиган (такрорланадиган) муайян меҳнат, ишни амалга ошириш учун сарфланган вақтни аниқ ўлчаш. *Хронометраж мақсадида компьютердан ҳам фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

ХРОНОМЕТРАЖЧИ Хронометраж иши билан шуғулланувчи киши.

ХРОНОМЕТРИК Хронометр воситасида бажариладиган, хронометрда белгиланадиган. *Вақтни хронометрик усулда аниқлаш.*

ХРУСТАЛЬ [*юн.* krystallos – муз; шаффоф тош, биллур] *қ.* **биллур**. *Хрусталь идишлар.*

ХУВАРИ Ҳазил аралаш енгил сўкиш шакли: шумтака, шайтон, хумпар, хумса каби. *Ҳа, хувари, қўлга тушдингми!* ▬ *-Вой хувари ҳожи, – деди Ниёз қушбеги, – олдидаги овни кўрмай, узоқдаги ёвни кўрадир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Шокир ота:*] *Йўлчининг айни олов вақти-да, биронта ўзи тенги билан бахт қидириб кетдими, хувари!* Ойбек, Танланган асарлар.

ХУД [*ф.* خود – ўз, ўзиники] *эск.* Ўз, ўзи, айнан ўзи. *Бу шаклу шамойил била худ ҳуру парисен..* Бобур.

Гоҳ худ, гоҳ бехуд Гоҳ яхши, гоҳ ёмон; гоҳ ундай, гоҳ бундай, гоҳ ўзига келиб, гоҳ ҳушсиз. *Хотинларнинг кўнглига ҳеч тушуниб бўлмайди.. гоҳ худ, гоҳ бехуд.* С. Нуров, Нарвон.

ХУД-БЕХУД [*ф.* خودبخود – ўз-ўзидан, ўзидан-ўзи; беихтиёр] *айн.* **гоҳ худ, гоҳ бехуд** *қ.* **худ.** *Эрталаб ишга келсам, хонамда худ-бехуд бўлиб Қўшшаев ўтирибди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Худ-бехуд бўлиб ётган янгамнинг оғзига сув тутдим.* «Шарқ юлдузи».

ХУДБИН [*ф.* خودبين – манман, эгоист; ўзинигина кўзловчи] Ўзини ёки ўз манфаатини ҳаммадан устун қўювчи. *Худбин ва дилозор кимсанинг ахир Оғзи қон йиртқичдан қандай фарқи бор?!* А. Орипов. *Исфандиёрнинг инжиқ ва худбин кўнглида ўч олови ёнар, исёнкорларни бирма-бир дорга осираман, деб онт ичиб қўйган эди.* С. Сиёев, Аваз.

ХУДБИНЛИК Ўз манфатини бошқа кишилар манфаатидан устун қўйишдан иборат салбий ахлоқий сифат. *Нодирнинг юрагида номус ўти, йигитлик лафзи, ориятидан кўра худбинлик, ўжарлик устун туради.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Худбинлик манфаатпарастлик ва шахсиятпарастликни ўз ичига олади.* «ЎзМЭ».

ХУДБИНЛАШМОҚ Худбинлик одатига берилиб кетмоқ. *Худбинлашиб кетганини ўзи ҳам сезарди.* Газетадан.

ХУДДИ [*ф.* خودى – ўзиники] **1** Айнан, аниқ. *Инобатнинг худди ўзига ўхшаган нозиккина, қора қош, қора кўз бир синглиси бор эди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бир ойдан кейин худди мана шу катта боғда дан-ғиллама тўй бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Худди шу пайт эшик ғийқиллаб очилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Роппа-роса, тўппа-тўғри, аниқ. *Мен худди соат ўнда келдим.* ▬ *Агар ўша кетиши*

бўлса, бугун худди Қўқонга бориб етган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Гўё, гўёки; баайни. *-Келдингизми? – деди Алимардон, худди унинг албатта келишини билгандай.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Ҳойнаҳой; афтидан. [*Майсара:*] *Шошманг, тақсирим! Ҳозир чиқиб бўлмайди! У худди гумонсираб келган, эҳтимол, ҳар томонга одам қўйгандир.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ХУДКОМ [*ф.* خودکام – ўз манфаатини кўзловчи; ўзбошимча] *эск. кт.* Фақат ўзини ўйлайдиган, ўзини яхши кўрадиган; худбин. [*Навоий:*] *Э, насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт!* [*Гули:*] *Лаъли рангин, лафзи ширин, шўхи худкомимга айт.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХУДО, худой [*ф.* خدا – илоҳ, худо; ҳукмдор хўжайин] **1** Диний тушунчага, хусусан ислом динига кўра, бутун мавжудотни, бутун оламни яратган ва уни бошқарувчи олий илоҳий куч; ҳар қандай диннинг эътиқод қилиш асоси (мусулмонларда: «Аллоҳ» сўзининг синоними). *Худо бутун жониворларни яратиб бўлиб, ҳар қайсисига умр улашадиган бўлибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Мирзо Анвар инимга худо мартаба ато қилган эмиш деб эшитдим, – деди Сафар бўзчи..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён

Аввали худо Аввало Худонинг хоҳиши, қудрати билан. [*Ибн Ямин:*] *Қизимнинг жонини аввали худо, қолаверса, сиз асраб қолдингиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Азбаройи худо** *қ.* **азбаройи**. *-Агар эшикни ёпиб ухласанг, азбаройи худо, ҳужрангда бир ҳафтагача тонг отмайди, – деди Мирвали.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Худо асрасин** (*ёки* **сақласин**) Бирор нохушлик, фалокат, зарарли кимсага йўлиқмасликни тилаб айтиладиган ибора. *Ишқилиб, ўзингга эҳтиёт бўл, болам. Бирор фалокатдан худо асрасин!* Ҳ. Ғулом, Машъал. [*Меъмор:*] *Мунофиқлардан худо асрасин!* Мирмуҳсин, Меъмор. **Худо берди** «Бахтли, давлатли бўлди» ёки «нима истаса, шуни қила олади» каби маъноларни ифодалайди. *Кейин Гулнорга худо беради, у эрка, арзанда хотин бўлиб, эрга суялиб, кўнглига нима келса, шуни қилади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Худо билсин (***ёки* **билади)** Ким билади дейсиз, эҳтимол. *Қоронғида яхши ажратолмадим, тусини ғира-шира анови қора Ҳомидга ўхшатдим. Тағин уми, бошқами, худо билсин, шатир-шутир қилди-да, чиқиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Худо кўрсатмасин** Бирор кўнгилсиз воқеа юз бермаслигини тилаб айтиладиган ибора. *Агар бу касаллик маҳаллий халққа ҳам юқса борми, худо кўрсатмасин, ана унда кўрасиз қиёматни..* К. Яшин, Ҳамза. **Худо кўтарсин!** *ёки* **худо олсин!** *қарғ.* Бирор кимсага бўлган нафратни ифодалаб, унга ўлим тилаб айтиладиган ибора. *Зулфизар ичида: «Худо кўтарсин сени» деди-ю, қадамини тезлатди.* К. Яшин, Ҳамза. **Худо раҳмати** *ёки* **худо раҳмат қилсин** Раҳматли (марҳумни ҳурмат билан тилга олганда айтиладиган ибора). *-Китоблар икки жойда ёлғон айтишни маъқул деган эканлар: биттаси – эру хотиннинг орасида, иккинчиси – икки мўъминни битириш учун. Буни худо раҳмати домлам ўқиб берар эдилар, – деди Сафар бўзчи.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [*Олчинбек:*] *Бошингизга тушган ишларнинг ҳаммасидан хабарим бор. Кампирнинг ўлими, худо раҳмат қилсин, янги ёзган асарларингизнинг йўқ қилиниши..* К. Яшин, Ҳамза. **Худо урган** 1) ёмон, разил, ярамас. *Хўжайин тоғанг жуда худо урган одам. Уйинг куйгур, шунча йил ишлатиб, энди кўчага ташлайдими?* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ночор, расво. *Мен сизга: «Қопонғич, жангари ит топиб келинг!» десам, худо урган итни топиб келибсиз.* «Латифалар». **Худо урди** Расво бўлди; ишнинг пачаваси чиқди. *[Одам] Ичкиликка берилдими, худо урди, Обрў кетиб, йўқолади тамом бурди.* Т. Йўлдош. *Кейин ерга энгашиб, қўлларига катта бир тош олдилар. Юрагим шув этди: «Оббо, худо урди», дедим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Худо урди-кетди** Наҳотки шундай бўлса? *Қўйинг-эй, Раҳимжон, гапирманг-эй! Худо урди-кетди. Қизим қўлингизга тушгандан бери бир кун рўшнолик кўрмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Худо уриптими** Бўлмаган гап, ўлибманми, наҳотки шундай бўлса? *Мени худо уриптими, ундай деганим йўқ.* **Худо хайрингни берсин** Яхши тилак, миннатдорлик билдирувчи ибора. *Жон биродар, худо хайрингни берсин, бу яхшилигингни икки дунёда унутмасман.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Худо ҳақи** Тўғриси; чиндан ҳам, ҳақиқатда ҳам. *Худо ҳақи, одам ҳаддан ташқари қўрқса, қизиқ бўлар экан.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Худога нима ёздим?** «Нима гуноҳ қилдим, гуноҳим йўқ эди-ку?!» маз-

мунидаги ибора. [*Матпано:*] *Худога нима ёздим? Наҳот ўтган-кетганнинг қўлига термилиб, қариб-чириб адо бўлажакман?* С. Сиёев, Ёруғлик. **Худога солдим** Жазосини худо берсин. *Гулсумбиби қизининг бошини силади, йиғлаб гапирди: -Қўй, қизим, Нури туҳмат қилган бўлса, худога солдим. Ўзи бир кун жазосини тортар, бир кун изза бўлар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Худога топширдим** Хайрлашиш чоғида айтилиб, худо ҳар қандай ёмонликдан асрасин, соғ бўл, омон бўл, деган мазмунни билдиради. *Худога топширдим, Кумуш, қазом етиб кўролмай қолсам, мендан рози бўл!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Худога (минг марта, беадад) шукур!** 1) бирор нарсага эришилганда айтилиб, мамнунлик, шукронани билдиради. *Худога шукур, тўй кўрдим, чимилдиққа кирдим, орзу-ҳавас кўрдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) ўзаро ҳол-аҳвол сўрашилганда, жавоб тарзида айтилади. [*Отабек:*] *Тузукмисиз, ота? -Худога шукур! — деди Ҳасанали.* А. Қодирий. Ўтган кунлар. **Худойимдан ўргулай** Худога шукур. *-Худойимдан ўргулайки, — деди Кумуш энтикиб ва даҳшатланиб, — ёмонларнинг жазосини ўзи берган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўпхудоликда оламнинг қандайдир бир қисмининг олий ҳукмдори. *Севги худоси. Уруш худоси.* ▬ *Гўзалликнинг қошида ахир Чўкка тушган ҳатто худолар.* А. Орипов.

ХУДОБЕЗОР(И) [*ф.* خدابيزار — худодан қочувчи; бетавфиқ] Ҳар қандай ёмон ҳаракатдан ҳам қайтмайдиган; ўта дилозор, бетавфиқ. *-Бу безбетни қаердан топдингиз, худобезори-ку у? — деди Солиев ўрнидан туриб.* «Ёшлик».

ХУДОБЕХАБАР [*ф.* خدابيخبر — худодан хабарсиз, бетавфиқ] Худодан қўрқмайдиган; динсиз; инсофсиз, диёнатсиз, бетавфиқ. *Шу худобехабар амир эшигида амалдор бўлишдан кўра, ўғирлик қилиб юриш минг марта аъло.* С. Айний, Жаллодлар.

ХУДОВАНД [*ф.* خداوند — худо; соҳиб, эга; ҳукмдор] Худонинг сифатларидан бири; *айн.* **худо**.

Худованди карим Карамли, мурувватли худо. [*Баҳромбек:*] *Эй худованди карим, молдунё деб, бу йўлларга кирган бандангни кечир..* «Ёшлик».

ХУДОВАНДО [*ф.* خداوندا — эй худованд]: **худоё худовандо** Худога мурожаат шакли; эй худо, худоё. *-Ё худоё худовандо! Бандалрингга ўзинг инсоф бер, — деди аёл.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУДОГЎЙ [*ф.* خداگوى — худо деювчи, худони тилга олувчи] Худо номини тилдан қўймайдиган, доим тоат-ибодат билан шуғулланадиган. *Худогўй одам.* ▬ *Рўзиқул ўткинчи худогўйларга қуръон ўқиб бериш билан беш тийин-ўн тийин топиб юрди.* Ғайратий, Тепалик мозор.

ХУДОЁ [*ф.* خدايا — э худо] Худога мурожаат шакли; э худо. *Худоё худовандо! Худоё тавба!* ▬ *Махсум ўзича имон келтирди: -Худоё худовандо, бир ожиз бандангман. Гуноҳим бўлса, ўзинг кечиргайсан!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУДОЖЎ(Й) [*ф.* خداجوى — худо(ни) изловчи] Худо ва дин йўлидан чиқмайдиган, худога ишонадиган; диндор. [*Ҳожи она:*] *Мен икки йўл ҳаж қилган художўй, батавфиқ хотинман! Мусулмонларга ёмонликни асло раво кўрмайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Художўйлар камайиб, зиёратгоҳга кўп вақтдан буён назр-ниёз тушмай қолган эди.* Газетадан.

ХУДОЖЎЙЛИК Дин йўлидан чиқмаслик. *Уларнинг авом халқ олдидаги художўйликлари ҳам риёкорликдан бошқа нарса эмаслигига гумоним қолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХУДОЙ [*ф.* خداى] *қ.* **худо.**

ХУДОЙИ [*ф.* خدايى — илоҳиёт; худога оид, алоқадор] *дин.* Марҳумлар руҳига бағишлаб ёки бирор иллатдан эсон-омон қутулганлиги учун худо йўлига қилинадиган садақа, қурбонлик, зиёфат. *Ҳазрат Баҳовуддин йўлларига етти нон худойи қилибдурлар.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бир неча ой ичида юзлаб қўйлар, туялар сўйилиб, маҳалла-гузарларда худойилар қилинди.* С. Сиёев, Аваз.

ХУДОЙИХОНА [худойи + хона] *эск.* Камбағал, етим-есирларга худойи тариқасида озиқ-овқат бериладиган жой.

ХУДОЙИХЎР [худойи + *ф.* خور — еювчи] Худойига бориб овқатланишни одат қилиб олган киши. *Мадрасамизнинг.. «жиловхона»сида ҳар якшанба ва пайшанба кунлари худойихўрлар кўча пойлаб, тикилишиб ўтирар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ХУДОЙИЧИ *айн.* **худойихўр.**

ХУДОПАРАСТ [*ф.* خداپرست – худога ишонувчи, диндор] Динга, худога ишонадиган; диндор. *Худопараст одам.* ▬ *Довуд асл худопараст, менга содиқ.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ХУДОСИЗ Худони тан олмайдиган, худога ишонмайдиган; даҳрий, атеист. *Доктор бир куни* [*Қурбон отани*] *маҳаллада ўзи ташкил этган худосизлар тўгарагининг машғулотига олиб борди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

ХУДОТАРС [*ф.* خداترس – худодан қўрқувчи; тақводор] *эск. дин.* Худодан қўрқадиган; мўмин, художўй. *Душман эмас, булар устаи Заргар, Анга ҳамроҳ бир худотарс қаландар.* «Маликаи айёр».

ХУДПАРАСТ [*ф.* خودپرست – ўзига бино қўйиган, худбин] Фақат ўз манфаатини кўзлаб иш тутадиган; худбин. *Худпараст одам.*

ХУК [*ф.* خوگ – тўнғиз]: **хук йили** *айн.* **тўнғиз йили** *қ.* **тўнғиз 3**.

ХУЛЁ *кам қўлл.* Фақат хаёлда, тасаввурда зоҳир бўладиган, аслида йўқ нарса. *Дилшод бу мудҳиш хулёни қувиш учун бошини бир силтаб, ўрнидан турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нима учун ёш бир одамнинг қуруқ сўзи билан бутун ниятларим, қасдларим ва хулёларимдан кечдим.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ХУЛИГАН [*ингл.* hooligan < ирландча атоқли от (Houlihan) дан] *қ.* **безори.** *Хулиган бола.*

ХУЛЛАС [*а.* خلّص – тугалланиш, якун топиш] *мод. с.* «Хулоса қилиб айтганда», «шундай қилиб», «қисқаси» каби маъноларни ифодалайди. *Хуллас, инсоннинг инсон бўлиши учун керакли гаплар деярли Шайх Саъдий «Гулистон»ининг ўзидаёқ айтиб ўтилган.* Шукрулло, Сайланма. *Иккинчи хонада стол-стуллар, диван, приёмник, хуллас, ўртамиёна оила рўзғорига хос жихозлар.* С. Зуннунова, Олов.

Хуллас(и) калом Гапнинг хулосаси, якуни; гапнинг қисқаси. *Хулласи калом, камина салкам қирқ кун деганда ёруққа чиқиб, офтоб кўрдим..* О. Ёқубов, Излайман.

ХУЛЛАСИ *айн.* **хуллас.** *Юзбоши* [*тиллани*] *еганича епти, ютолмай қолганидан кейин ўғрилар оғзига зўрлаб тиқишибди.. хулласи, ит азобида ўлипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ХУЛЛАСКИ *айн.* **хуллас.** *Қамишкападаги икки юз эллик хўжаликнинг ҳаммаси қўлларидаги бор мол-мулкларини, ерларини, боғларини, хулласки, бор бисотларидаги ҳамма молларни колхозга икки қўллаб топшириб, бирваракайига колхоз бўлиши шарт эмиш.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУЛОСА [*а.* خلاصه – сараланган нарса; натижа; қисқача баён, мазмун; моҳият] Юритилган фикр ёки мулоҳазанинг мантиқий натижаси, якун. *Бундай тасаввур қадимги инсонларнинг эмпирик хулосаларидан бошқа нарса эмас, албатта.* «ЎТА».

Хулоса қилмоқ (*ёки* **чиқармоқ)** *ёки* **хулосага келмоқ** Якуний фикрга келмоқ, уни айтмоқ. *-Хўп, кўрамиз, – деди раис хулоса қилиб.* С. Аҳмад, Уфқ. [*Навоий*] *Шунинг билан бирга Низомий ва Хусравларнинг заиф томонларини топиб, ундан чуқур фалсафий хулосалар чиқаради.* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари. *Чўлпон ҳақида тўғри хулосага келганлардан бири Ойбек бўлди.* Газетадан.

2 *айн.* **хуллас.** *Хулоса, теварагимизни ўраб олган ҳозирги манзара бояги маҳзун кўриниш таъсиридан бизни қутқаради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ХУЛОСАВИЙ [*а.* خلاصه‌وی – хулоса тарзидаги, якуний] *эск. с.т.* Хулоса сифатида тақдим этиладиган; якунловчи. *Хулосавий гап.*

ХУЛОСАЛАМОҚ Фикрнинг мантиқий натижасини ифодаламоқ, хулосасини баён қилмоқ; якунламоқ. *-Айтмоқчи бўлганим шуки, болаларим, – деди сўзини хулосалаб Қурбон ота, – ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқармасак, ишимиз барор топиши қийин.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ХУЛҚ [*а.* خلق – феъл-атвор, табиат; кайфият; ғазаб] **1** Кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи; феъл, характер. *Хулқи совуқ одам. Яхши хулқ – кишининг ҳусни.* Мақол. ▬ *Саодатхон буларнинг хулқи ҳақида ўйлаб, чуқур хаёлга чўмган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Қаҳрамонларнинг сўз ифодалари уларнинг савияларига ва хулқларига мувофиқ танланган.* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

2 Кишига одат бўлиб қолган, такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат; одат, қилиқ. *Қодир анча юмшарган эди. Набигул ярамас хулқлари бор эканини бўйнига олиш билан*

Қодирни яна ҳам юмшатди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Унинг рақсларида қуш енгиллиги, Шабада шўхлиги, гулнинг нози бор. Унинг одобида, унинг хулқида Инсоний камолот мавжуд, барқарор.* Уйғун.

ХУЛҚ-АТВОР [хулқ + атвор] Феъл-атвор, характер. *Ҳамида хулқ-атвори шамолга ўхшагани билан кўп нарсага ақли етарди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Бола етти ёшга тўлиб, мактабга борган йили унинг хулқ-атворида бирмунча бурилиш пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш».

ХУМ [*ф.* خم – катта кўза] Бирор суюқлик, дон ва ш.к. сақлаш учун турли катталикда ясаладиган, оғзи торроқ сопол идиш. *Қурбон ота иккинчи самоварга хумдан сув олиб қуймоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Ўринбиби ая*] *Хумдаги мусалласни кўзаларга қуйишга ўзи кўмаклашиб юборди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Ҳа, дарвоқе, хумда қўй ёғим, Омборда сур гўштим қолмапти.* С. Акбарий.

ХУМБОШ *айн.* **хумкалла.**

ХУМДАЙ Жуда катта. *Баширжоннинг.. сочи тўкила бошлаган хумдай калласи қипқизариб кетди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ХУМДОН [*ф.* خمدان – хум ясаладиган жой, идиш] Кулолчиликда лойдан ясалган идишлар ёки ғишт пишириладиган ўчоқ, печь. *Кулол хумдони.* ■ *-Ҳу, кўрдингизми, – деди чап қўли билан кўрсатиб, – у ерда ғишт хумдони қуряпмиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Султонмурод хумдонга идиш қалашда уста эди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ХУМДОНЧИ Хумдонда ғишт ёки кулолчилик маҳсулотларини пишириш билан шуғулланувчи ишчи. *-Катта кўчага чиқиб олмоғим учун орада биттагина Ҳамдам хумдончининг чакалаги қолди, – деди Ўсар ака.* А. Қодирий, Жинлар базми.

ХУМКАЛЛА [*ф.* خمكلّه – хум каби катта бош] **1** Боши хумдай, калласи катта; калладор. *Аҳмад бригадир.. хумкалла ўғилчасига киссасидан майиз олиб берди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *кўчма* Мияси йўқ, каллаварам, қовоқбош. [*Олимхон:*] *Хумкалла! Шариат йўлидан тойган қизнинг сўзига ишонасанми? Бари ҳийла, бари айёрлик, макр!* Ойбек, Танланган асарлар. *Лекин жуда боплади, хумкаллани ўтқазиб қўйди, офарин!* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ХУМЛАБ Хум билан; хумда. *Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХУМОР [*а.* خمار – (ичкиликдан) карахтлик, бош оғриғи] **1** *от* Одатланиш туфайли бирор нарсага бўлган чанқоқлик; муштоқлик, зўр истак. *У бугун уйқудан бир қадар хумори босилгандай бўлиб турди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

Хумор қилмоқ Бирор нарсага етишувга бўлган интилишни, истакни кучайтирмоқ; ўта хоҳламоқ; соғинтирмоқ (одатланган нарса ҳақида). *-Дуруст, олдинги касбинг хумор қилаётгани йўқми? – деб ҳазиллашдим.* Шукрулло, Сайланма. **Хумордан чиқмоқ** Ўйлаб юрган бирор иш ёки ҳаракатни амалга ошириш натижасида таскин топмоқ, тинчланмоқ. [*Аҳмад*] *Улоқ чопиб, кўпкариларни кўриб хуморидан чиқиб, уйига қайтмоқчи бўлди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Хумори тутмоқ** Одатланган нарсасини қўмсамоқ, соғинмоқ; унга етиша олмай тажанг бўлмоқ. *Қисқаси [чолнинг] носи адо бўлса, айниқса, хумори тутганда, ҳеч бир куч уни тўхтатиб қололмайди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. **Хуморини тарқатмоқ** (*ёки* **ёзмоқ)** Ўзи қўмсаб, соғиниб юрган кимса ёки нарсага етишиб қаноатланмоқ, таскин топмоқ. *Ўйнаб, ҳасратлашиб, хуморини тарқатиб, уйига қайтади одам.* Газетадан. *Сизларни кўрсам, уни* [*набирамни*] *кўргандай хуморим ёзилади.* «Саодат».

2 Бирор нарсага эришувга, етишувга иштиёқи баланд, орзуманд; муштоқ. *«Хат кутиб жонимда қолмади тоқат, Бир кўрмоққа хумор бўлди Адолат!»* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тожибой хумор бўлиб, яна нос чекди-да, отига қамчи урди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Хумор кўз *ёки* **кўз(лар)и хумор** 1) сузук, чиройли кўз. *Зумраднинг хумор кўзларида қандайдир чуқур бир қайғу яширинган.* Ҳ. Зиёхонова, Менинг табригим. *У* [*Гулнор*] *чиройли майин товуш билан сўзларкан, йигитнинг қўлидан чойнак-пиёла оларкан, шўх, хумор кўзлари билан йигитга қарайди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) шундай кўзли ёр, дилбар. *Кўз тинди кутиб, кўзи хуморим, нима бўлди?* Ҳабибий. **Ўз гапи ўзига хумор қилмоқ** Ўзининг гапи ўзига қизиқ бўлиб

туюлмоқ. *Муаллим ўз гапи ўзига хумор қилиб хохолади..* «Ёшлик».

ХУМОРГАРЧИЛИК Одат қилинган, ўрганилган нарса ёки кимсани қўмсаш, унинг йўқлигидан дилгир бўлиш, хумор бўлиш; интизорлик, муштоқлик. *Дилгирлик ҳаддан ошди, қорадорининг хуморгарчилиги.. ҳуснимга путур етказган эди.* Ғайратий, Сабаби тириклик.

ХУМОРИ [*а.* + *ф.* خماری – винога, ичкиликка оид; хумор бўлган] Хумор бўлган, иштиёқи баланд, муштоқ. *Баҳс тугар, аския бўлиб ўтади, Баъзилар қўшиқни қилар хумори.* Х. Салоҳ. *Наманганнинг анори, Кимни қилмас хумори?* Т. Тўла.

ХУМОРЛИК Хумор бўлишлик, муштоқлик, соғиниш. *Кенжасининг йўлига кўзи тўрт бўлиб, хуморликдан бағри кабоб бўлган Тўхта она.. ўғлининг бошдан оёғигача синчиклаб боқади.* И. Раҳим, Танкчининг отпускаси.

ХУМПАР Ҳазил аралаш енгил сўкиш шакли («қурғур», «шайтон», «шумтака» каби). *-Вой-бўй, тирикмисан, хумпар, Тошкентга қачон келдинг?.. – деди Шум болага Туроббой.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Қўшним бу билан: «Нонуштани тезда тугалла ва чиқиб, чала қолган шахматни ўйна, хумпар», демоқчи эди.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

ХУМСА 1 Енгил сўкиш шакли («бемаъни», «ярамас», «аблаҳ» каби). *-Оёғингни боғлаб ол, қалтироқ хумса! – деб бақирди Қултой.. Дадақўзига.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Подшолик билан ҳазил ўйнайдиёв бу хумсаларинг.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 *айн.* **хунаса 1**.

ХУМЧА Унча катта бўлмаган, кичик хум. *Ёғ хумчаси ташидан билинур.* Мақол. ▬ *Шу лаҳза Бадиа.. хумчадан ним коса шарбат олиб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ХУН [*ф.* خون – қон] **1** *айн.* **қон.** *Минг жафо бирлан эзиб қалбимни, тўкдилар хуним.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дарё бўлиб оқди дарёда хунлар, Дўзах оловида бамисли дунё.* Э. Воҳидов. *-Ҳар ким шаҳид – ўз хунига бўялар, Элу халққа озор берма, Авазжон, – деди Қулмалойик бобо.* «Зулфизар билан Авазхон».

Жигари (*ёки* **бағри, юраги) хун бўлмоқ** Бирор нарсадан қаттиқ таъсирланиб изтироб чекмоқ, руҳан қаттиқ эзилмоқ. *-Онамга билдирманглар, – деди аёл бағри хун бўлиб.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари. *Ёлғиз сени, мен ёлғиз кутдим, Кутабериб хун бўлди жигар.* Р. Парфи. [*Абдулазиз*] *Шу вақт ичида қанча фойдадан қолганини ҳам тахминан ҳисоблаб кўриб, юраги хун бўлиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Хун бўлмоқ** Руҳан қаттиқ эзилмоқ. *«Йиғлайвериб, хун бўлиб кетдим», деб ёзган эди Мастура.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. **Хун йиғламоқ** Эзилиб йиғламоқ. [*Кўнғиз бола*] *Ариқдан ўтолмай, йиғламоқда хун, Кўз ёши юзини ювибди бутун.* С. Абдуқаҳҳор.

2 Уруғдошлик тузуми даврида вужудга келган одат; ўлдирилган шахс учун олинадиган қонли ўч. *Қўйвор, деяпман сенга.. Бари бир укамнинг хунини оламан.. Қўйвор, қаёққа судраяпсан!* «Ёшлик». *Ўликни тобутга солаётганда, хизматкорлардан биттаси: -Бу одамхўрларни қозига бериб, бечора гўдакнинг хунини олиш керак, – деди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

Хун довламоқ Қонли ўч олишни талаб қилмоқ. *Хун довлайман, нима жавоб берасан, Болаларим нобуд бўлган – биласан.* «Алпомиш».

3 Умуман, ўлдирилган кимса, йўқотилган ёки тортиб олинган нарса учун тўланадиган ҳақ; товон. *-Том тагида қолиб ўлсак, сан билан манинг хунимни улардан ким даъво қилади? – қайғули товуш билан деди Ўроз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўлган сигир қозиники бўлса, нима қилиш керак? -Сузган сигир эгасидан хунини тўлатиб олиш керак, – деди афанди.* «Латифалар».

Отасининг хунини сўрамоқ Бирор нарса учун ҳаддан зиёд пул ёки ҳақ сўрамоқ, бирор нарсага жуда қиммат баҳо қўймоқ. **Хунини тўламоқ** *тар.* 1) ўлдиргани учун товон тўламоқ. *Агар қўлга келса Бойсуннинг хони, Ўлдирсам, тўланар ўғлимнинг хуни.* «Алпомиш»; 2) бирор нарса қийматини тўламоқ. *Ҳазратнинг номларига доғ тушмасин учун шариат амрига мувофиқ сизга хун тўланади.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

ХУНАСА [*а.* خنثى – хунаса] **1** Ҳам эркак, ҳам аёллик жинсий белгилари бўлган одам ёки ҳайвон. *«Балиғингиз эркакми, урғочими?» Афанди вазирнинг макрини тушуниб, жавоб берди: «Хунаса».* «Латифалар».

2 *сўк.* Ярамас, аблаҳ, разил. *-Шу хунаса қимор ўйнамаса, бу ғавғолар йўқ эди, – деди*

Ислом. «Ёшлик». *Оқ подшо деган хунаса фармон чиқариб, мардикор сўраб қолди. Урушда қўли баланд эмас шекилли.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХУНБОР [*ф.* خونبار – қон тўкувчи, қотил; қонли] *эск. кт.* Қонга тўлган, қон оқиб турадиган. *Ғунча янглиғ дийдаси хунбордурман соғиниб.* Муқимий. *Кеча тонг отқуча бедор эрди, Ишқдин кўзлари хунбор эрди.* М. Солиҳ, Шайбонийнома.

ХУНДОР [*ф.* خوندار – хун эгаси, хунга эга] Хун талаб қиладиган; қасоскор. [*Ҳусайн:*] *Иблис Маждиддин.. Мўмин Мирзони ўлдириш ҳақида фармон ёзиб, менга мастлигимда қўл қўйдириб олибди. Кеча тонгда у мени ҳам набирамдан, ҳам ўғлимдан жудо қилди. Энди Бадиуззамон менга фарзанд эмас, хундор душман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХУНИБИЙРОН [*ф.* خونبریان – қиздирилган, қовурилган қон] Ниҳоятда хуноб, руҳан қаттиқ эзилган, алам-изтироб чеккан. *Шавкат қирқ беш минут хўрлиги келиб, хунибийрон бўлиб йиғлаб ўтирди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Мустафо хунибийрон бўлиб йиғлаганча, қишлоққа қайтди.* Н. Қобил, Унутилмас соҳиллар.

ХУНОБ [*ф.* خوناب – қонли кўз ёши] **1** Тоқати тоқ; диққат, бўғилган, тажанг. *Икки ҳафтадан бери сув ололмай* [*мўйсафид*] *хуноб экан.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Анвар:*] *Майли. Мен ҳам тезроқ қайтишим керак. Алимардон ҳам хуноб бўлиб ўтиргандир.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

Хуноб қилмоқ Асабийлаштирмоқ. *[Зеби Акромхонга:] Жонингизга тегиб, хуноб қилдим.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. **Хуноби ошмоқ (*ёки* чиқмоқ)** Ўта диққат бўлмоқ. *-Юринг, кетдик! – деди паст овоз билан хуноби ошган Қўчқорвой ака.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Қўчқор хуноби чиқиб, қўлини силтади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 *кўчма* Қийин, оғир, мушкул, сермашаққат, сердиққат. *Хуноб вазифа.* ▬ *Оламда заргарликдек хуноб иш бўлмас дердим, буларники яна сермашаққат экан.* Ойбек, Навоий.

ХУНОБА [*ф.* خونابه – қонли кўз ёши] **1** *айн.* **хуноб.** *Хуноба қилмоқ.* ▬ *Ўзаро низонинг дарду марази Тинкамиз қуритди, хуноба қилди, Талашган хонларнинг кеку ғарази Етди юрт бошига, хароба қилди.* М. Шайхзода.

2 *от* Диққатни оширадиган, сердиққат иш. *-Албатта, асли хунобаси мана шунда, – деди бош қимирлатиб Ўктам.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Хуноба ютмоқ *фольк.* Азоб тортмоқ, қийналмоқ. *Ғариблик кўйида хуноба ютдим.* «Муродхон».

ХУНОБАГАРЧИЛИК *айн.* **хунобгарчилик.**

ХУНОБГАРЧИЛИК Хафагарчилик, диққатбозликни ифодалайдиган ҳолат; хуноблик. *Эгат очишнинг турган-битгани хунобгарчилик-ку!* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ХУНОБЛИК Асабийлик, тоқати тоқлик. *Зумрад кўзларининг нурини тўка-тўка, кўп хуноблик билан иш тикарди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ХУНОЛУД [*ф.* خونآلود – қонга беланган] *эск. кт.* Қонга беланган, қонга тўлган. *Хунолуд либос.* ▬ *Хунолуд қуюқ қошлари остидаги ярим очиқ кўзлари кимнидир излагандек қарайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХУНРЕЗ [*ф.* خونریز – қон тўкувчи] **1** Қон тўкувчи; жаллод.

2 Қонхўр, бераҳм. *[Низомиддин:] Аммо, бари бир, ёш мирзолар катта бўлгач, ўз ота-боболари каби хунрез, золим бўладилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ХУНРЕЗЛИК Қонли тўқнашув; қирғинлик, қирғин. *Ўтрор шаҳри бунёд бўлгандан бери бундай қирғин, бундай хунрезлик, зўравонликни кўрмаган эди.* М. Осим, Ўтрор. *Хунрезлик қил, демаган-ку На Ведаю на Қуръон!* Э. Воҳидов.

ХУНУК [*ф.* خنک – салқин, совуқ; ёқимсиз, жозибасиз; мунгли] **1** Кўриниши ёқимсиз; кўримсиз, чиройли эмас. *Французлар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат ўзига оро бермаган, парваришсиз аёллargina бор, деб ҳисоблашади.* «Саодат». *Вой-вуй, қишлоғимиз шунақа хароб, шунақа хунукми!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Ёқимсиз; нохуш, жирканч. *Хунук воқеа.* ▬ *Ҳар қалай, кеча хунук иш бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бечора хотиннинг инсонлик қадру қийматини ерга урадиган ниҳоятда хунук йўл бу.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Қўрқинчли. *Унинг [Анварнинг] кўзлари қоронғида чарақлар, важоҳати хунук эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 *кўчма* Қулоққа ёқмайдиган, ёқимсиз эшитиладиган. *Хунук товуш.* ▬ *Туни билан бўлган ғазабли бўкиришлар, хунук алаҳлашлар, йиртқичдай увлаб йиғлашлар тинди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Жимжит қабристон тепасидаги чинорда бойқуш хунук сайради.* С. Аҳмад, Уфқ.

Хунук кўринмоқ Ёқимсиз таассурот қолдирмоқ. *Вой, илм увол эмасми, нега ишламайсиз? Ҳозирги замонда сичқон тутаман деган мушук ҳамма одамнинг кўзига хунук кўринади-я!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ХУНУКЛАШМОҚ Кўриниши ёқимсиз, кўримсиз бўлиб қолмоқ; чиройини йўқотмоқ. *Дастлабки пайтларда Муборак унга дурустгинадай кўринган эди. Бироқ уни яқиндан билиб боргани сайин, назарида хунуклаша борди.* «Ёшлик».

ХУНУКЛИК Кўримсизлик; чиройли эмаслик. *Биласизми, хунукликда ягона қиз ҳам етилган вақтда йигитнинг диққатини жалб қиладиган бўлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ХУНХОР [*ф.* خونخوار – қонхўр, қон ичувчи; золим] *айн* **хунхўр.** *Вақти замон, кампир, ажалинг етди, Яна хунхор, билгин, Авазинг кетди.* «Маликаи айёр».

ХУНХЎР [*ф.* خونخور – қонхўр, қон ичувчи; золим] *кт.* Қонхўр, қотил; золим. *Ўзбекнинг одати: хунхўр душмани келса ҳам, бўсағадан қайтармайди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ХУНХЎРЛИК Қон тўкишлик. *Уйингиз орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХУРАЛ [*мўғ.* хурал – мажлис, йиғилиш] Мўғулистон Республикасида олий ҳокимият органларининг номи. *Улуғ халқ хурали.*

ХУРЖУН [*ф.* خورجين *ёки а.* خرج – қўшалоқ бўлмали халта] **1** Эгар устига ёки елкага ошириб ташланадиган, юк солинадиган икки кўзли қоп, қўш халта. *Жун хуржун. Ип хуржун.* ▬ *Қоп орқалаган оқ яктакли эркак билан икки кўзи тўла хуржун елкалаган аёл тошдан тошга ҳатлаб, нариги томонга ўтиб боряпти.* Т. Ашуров, Марварид тут.

2 *эск. кўчма* Қониқарсиз, ёмон. [*Саидаҳмадхон:*] *Пул масаласи хуржун. Қўқон бойлари, патир учидан, деб жиндай пул беришди.* Ойбек, Улуғ йўл.

Ишни хуржун қилмоқ Ишни ёмон аҳволда қолдирмоқ, ўлда-жўлда, чала қилмоқ; на у ёқли, на бу ёқли қилмоқ. *-Гап деганда қоп-қоп, иш деганда бетоб хушёқмаслар бор, шулар ишни хуржун қилади, – деди раис.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ХУРЖУНЛАШМОҚ *эск.* Ора йўлда қолмоқ; ёмонлашмоқ, чатоқлашмоқ. *Цехлардаги бригадалараро ижтимоий мусобақа ишлари хуржунлашиб.. қолди.* «Муштум».

ХУРИЛЛАМОҚ «Хур-хур» этган овоз чиқармоқ. *Ҳуриллаб ухламоқ.* ▬ *Кўрпачада хурпайиб ётган мушук унинг* [*хотиннинг*] *қатим тортаётган қўлларига қараб хуриллайди, ғалтак ипни олиб қочишга пайт пойлайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХУРМА Қатиқ ивитиш, сут солиб қўйиш учун ишлатиладиган сопол идиш; қўшқулоқ. *Фотиҳадан кейин Офтоб ойим товоқни хурмага, хурмани товоққа уриштириб, куёвга қатиқ олиб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХУРМАЧА 1 Кичик хурма. *Кечқурун аям бир хурмача қатиқ.. кўтариб келди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма с. т.* Қорин, ошқозон. *-Тўхта, тўхта, эй нонкўр. Хурмачангга лойиғини ичда, ўз обрўсини билмаган гўл, – деди Эргаш Олимга.* Б. Раҳмонов, Қилмиш-қидирмиш.

Хурмачаси оқармаган *айн.* **косаси оқармаган** *қ.* **оқармоқ. Хурмача қилиқ** Ёмон, бемаъни, совуқ қилиқ; хунук одат. *Дадамнинг пули кўпайиб, бир йилдан буён хурмача қилиқ чиқариб қолдилар.* «Муштум». **Хурмачанинг тагини ялаганмидинг?** Тўйи куни қор ёки ёмғир ёққан йигит ёки қизга нисбатан ҳазил тариқасида айтиладиган гап. *Чурук паранжи ёпинган бир хотин узоқдан шанғиллаб келаверди: -Қор ҳам қурсин, кафшим ҳам қурсин, Нуриой, хурмачанинг тагини хўп ялаган экансиз-да!* Ойбек, Танланган асарлар.

ХУРМАҚОВОҚ *шв.* Ойимқовоқ.

ХУРМО [*ф.* خرما – хурмо] Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган, хурмодошларга мансуб дарахт ва унинг меваси. *Унинг [Нил дарёсининг] икки томонида фалакка бўй чўзган миноралар, кўп қаватли бинолар, хурмолар.* Мирмуҳсин, Ал Маҳдий. *Арабларда хурмо энг муҳим озуқалардан бири ҳисобланади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ХУРМОЗОР [*ф.* خرمازار – хурмо майдони] Хурмо дарахтлари экилган ер, боғ.

ХУРМОЙИ [*ф.* خرمائی – хурмога оид; тўқ сариқ, оч жигарранг] **1** Ранги хурмо меваси рангига ўхшаган; қизғиш-тўқ сариқ. *Тўрда соқоли хурмойи-қизилча бўлган.. бир йигит ўтирарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Ўзбекистондаги ўрик навларидан бири. [*Ўрикнинг*] *..хурмойи, мирсанжали.. навлари яхши туршак беради.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ХУРОФИЙ [*а.* خرافی] Хурофотга оид, хурофотга асосланган. *Хурофий урф-одатлар.*

2 *эск. айн.* **диний.** *Китоб ғоят диний, хурофий – Ҳазрат Али жанг қилиб, кофирларни қириб, мусулмонларни уларнинг жабр-зулмидан қутқарди, деб ҳикоя қиларди бу китоб.* Ойбек, Болалик.

ХУРОФОТ [*а.* خرافات – бидъат, таассуб, ирим-чиримлар] Диний эътиқод, урф-одатлар, иримларни сохталаштирувчи ижтимоий-психологик ҳодиса. *Ҳақиқат ўз кучини йўқотган жойда хурофот илдиз отиши шубҳасиз.* «Саодат». *Нодон кишиларнинг кўнгли хурофотга яқин бўлади.* Газетадан.

ХУРОФОТФУРУШ [*а.* + *ф.* خرافاتفروش – хурофот сотувчи, тарқатувчи] *кам қўлл.* Хурофотни тарғиб қиладиган, хурофотни восита қилиб кун кўрадиган. *Инқилобдан кейин хурофотфуруш бу хонадон тезда қуриб, тўзғиб кетади.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ХУРОФОТЧИ Хурофотга берилган одам. *Аввалига Абдужаббор ўлгудай хурофотчи, ўлгудай кўнгли тор бўлиб кўринди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХУРРАК Уйқуда нафас олганда чиқадиган хириллаган товуш. *Ҳасанали ундан [Отабекдан] жавоб кутар экан, бир оздан сўнг жавоб ўрнига хуррак товушини эшитди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампир кучсиз хуррак торта бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўрт ошхўр идорани бошларига кўтариб, хуррак тортишарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ХУРРАКЧИ Хуррак отиб ухлайдиган киши. *Хурракни эмас, хурракчини отаман. Шундоқ ёқасидан ушлайман-у, деразадан отвораман.* А. Мухтор, Туғилиш.

ХУРРАМ [*ф.* خرّم – шод, қувноқ, хушчақчақ; мамнун] **1** Шод, хурсанд, хушчақчақ. *Чавандоз Гулсум опанинг ёш қизлардай «дув» қизарганини кўриб, хуррам жилмайди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Боринг бизнинг Андижонга ҳам, Боғларида сайр этинг хуррам.* Х. Салоҳ.

2 Хуррам (эркаклар исми).

ХУРРАМЛИК Шодлик, масрурлик. *Ҳофиз Шерозий – эҳтиросли муҳаббат, гўзал табиат.. шодлик ва хуррамлик тароналарининг ижодчиси.* «ЎТА». *Лекин ерда ва кўкда мен томошага чиққан вақтимдаги латофат, хуррамликдан асар қолмаган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ХУРСАНД [*ф.* خرسند – мамнун, қаноатланган; шод, қувноқ] **1** Ҳаётдан жуда мамнун, кайфияти жуда яхши; шод, хуррам; хушчақчақ. *Озод ёшларнинг руҳлари тетик ва ўзлари хурсанд эдилар.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ойим азбаройи хурсанд бўлганидан: -Баракалла, ўғлим! – деб елкамга қоқиб қўйди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Бирор кимсадан ёки нарсадан қаноат ҳосил қилган; мамнун, рози, миннатдор. *Шу йўсин Нодира, Моҳлар ойимдан жуда хурсанд бўлгани ҳолда, уйига қайтди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Элмурод уни* [*Давлатёрни*] *шундай шароитда учратганидан хурсанд бўлди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Хурсанд (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ХУРСАНДЛИК Мамнунлик, вақтичоғлик. *Хурсандлигимни айтсангиз, гўё дарёман-у, қирғоққа сиғмай, тўлқин ураётгандекман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ХУРСАНДЧИЛИК 1 Вақтни хурсанд, шод, ўйин-кулги билан ўтказиш; вақтичоғлик. *Бу – бошларига тушган фожиадан кейинги биринчи хурсандчилик эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..шу кунларнинг бирида Хайри ача уйида кичкина хурсандчилик бўлди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 Хурсандлик, шодлик. -*Мен сенга айтсам, дўстим, – деди Элмурод, – хурсандчилигим ичимга сиғмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУРУЖ [*а.* خروج – олға чиқиш, отланиш; сўзга чиқиш] **1** Тўсатдан ҳужум қилиш; ҳужум. *Танк орқасидан келаётган душман пулемётчилари хуруж қилиб қолди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Хуруж қилаётган оломон турган жойида қотиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Иссиқ, совуқ, шамол, ёмғир, ўт, сув каби табиат кучларининг ҳамласи; авжига чиқиши, кучайиши. *Хуруж қилмоқ.* ▬ *Шамол яна хуруж қилади, дарахтларнинг*

кўксини тилка-пора қилиб шовуллайди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ногаҳон хуруж қилган бу ёмғир уни анча шошириб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

3 Касалликнинг кучайиши. *Иситма хуруж қилиб,* [*Башорат холанинг*] *ҳамма ёғи қақшаб оғриди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

4 *с. т.* Бирор салбий нарсага берилиб кетиш, ружу қилиш. *Ашир, хотини Хўжабековга тегиб кетгандан кейин, ичкиликка хуруж қилди.* С. Анорбоев, Оқсой;

ХУРУШ I [*ф.* خورش – қайла; зиравор, дориворлар] **1** Бирор иш ёки жараённинг юзага келиши, тезлашуви учун ёрдам берадиган восита. *Терини пардозлашда ишлатиладиган хуруш. Пайвандлаш хуруши.*

2 Овқат, чойга маза, таъм бериш учун унга қўшиладиган ошкўк, зиравор, доривор каби воситалар. *Агар чойнак узоқ вақт оловда турса, чой айнийди, айниқса, таркибидаги хурушлари куйиб, бемаза бўлиб қолади.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандачилик.

ХУРУШЛАМОҚ *тех.* Қаттиқ материаллар сиртига кимёвий усул билан ишлов бермоқ, пардозламоқ. *Металларни хурушламоқ.*

ХУР-ХУР *тақл. с.* Хуррак товушини билдиради. *Соқи бобо пўстинининг бир енгига бошини тиқиб, бир енгига икки оёғини суқиб, хур-хур этиб, хуррак тортиб ухлаб ётибди.* «Хушкелди».

ХУРШИД [*ф.* خرشيد – қуёш] **1** Ёритиб турувчи нарса; қуёш, ёруғлик, машъал. *Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди – илм.* Ҳамза. *Тепаликка илк нурин сочди хуршиди жаҳон.* Э. Воҳидов.

Хуршиди тобон *поэт.* Ёрқин нур сочувчи, порлоқ қуёш; ёрнинг гўзал юзига ишора.

2 Хуршид (эркаклар исми).

ХУСУМАТ [*а.* خصومت – жанжал, низо; душманлик, адоват] Бировга нисбатан бўлган кек, адоват; қасд; душманлик. *Собир яна ўша ёқимтой йигитга айланган ва Аҳмаднинг юрагида унга нисбатан ҳеч қандай хусумат қолмаганди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тўтихоннинг юраги эзилиб, рашк ва хусуматдан юз терилари тортишди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

ХУСУМАТЛИ Хусумат белгиси ифодаланган; адоватли. *У* [*Мажддиддин*] *ўғлининг елкасидан қўлини секин тушира туриб, чодир томон хусуматли назар ташлайди-да, отга минмоқчи бўлади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

ХУСУС [*а.* خصوص – хусусият, ўзига хослик, алоҳидалик; айримлик] **1** Муҳокамага сабаб бўлган ёки кўзда тутилган масала, мавзу. *Майли, ҳар ким айтсин ўз фалсафасин.. Уни мот қиларман мен бу хусусда!* О. Ҳакимов. *Юсуфбек ҳожининг қандай одам экани айниқса Акрам ҳожига англашилиб, бу тўғрида ортиқ баҳс қилинмади ва сўз бошқа хусусларга ўтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шарт шу: Бундан кейин ҳар хусусда мен билан якдил бўлиб ишласангиз.. дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 3-ш. эгалик ва ў.-п.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (*қ.* **хусусида)**. *Интизом хусусида гапирмоқ.*

ХУСУСАН [*а.* خصوصاً – асосан; айниқса, махсус] *рвш.* Бошқаларидан кўра; айниқса. *..Самарқандда, хусусан, Фарғона водийсида одам шаклини чизиш ҳали ҳам Қуръон номидан қаттиқ тақиқланиб келмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Чарос, хусусан, Темур портрети ҳақида гапирмоқчи эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХУСУСИДА *кўм. взф.* Тўғрисида, ҳақида. *-Пилла хусусида тил қисиқлик жойим йўқ. Планни бир юз ўн бир процент қилиб қўйганман, – деди раис.* С. Аҳмад, Ҳодивой.

ХУСУСИЙ [*а.* خصوصى – алоҳида, махсус; шахсий] **1** Бирор шахснинг ёлғиз ўзига қарашли, тегишли бўлган; шахсий; алоҳида. *Хусусий дўкон.* ▬ *Анвар хусусий ҳаёти, айниқса, Раънога алоқасидан ҳеч кимга оғиз очмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Кундузлари ўрда девонини бошқариш, эрталаб ва кечқурун ўз уйида хусусий кишиларни қабул қилиш, албатта, Анвар учун оғир эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Муайян бир нарса ёки мавзуга бағишланган; айрим бир нарса ёки мавзуни ўз ичига оладиган. *Хусусий ва умумий масалалар.*

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ *иқт.* Фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши; давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий субъектларга ўтиши

жараёни. *Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунларига мувофиқ амалга оширилади.* Газетадан.

ХУСУСИЙЛИК 1 Айримлик, ўзига хослик.

2 *флс.* Фалсафа фани категорияларидан бири. *Демак, тил билан нутқ умумийлик билан хусусийликнинг диалектик муносабатида бўлиб, улар бири иккинчисига ўтиб турадиган ҳодисалардир.* «ЎТА».

ХУСУСИЯТ [*а.* خصوصيّت – ўзига хослик; алоҳидалик, айримлик] Бирор нарса ёки кимсанинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган томони, ўзига хос белгиси. *Характерли хусусият. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари.*

ХУТБА [*а.* خطبه – ваъз, нутқ; пандднасиҳат] **1** *дин.* Жума ва ҳайит кунларида имом хатибнинг суннатдан кейинги (фарздан олдинги) ваъзхонлиги; диний панд-насиҳат. *Намоздан кейин семиз ва такаббур Бўрихон ҳазрат эшон минбарга чиқиб, хутба бошлади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ўрта асрларда хутбанинг муҳим сиёсий аҳамияти бўлган.* «ЎзМЭ».

Номига хутба ўқитмоқ *ёки* **номини хутбага қўшиб ўқитмоқ** *тар.* Тахтга чиққан ҳукмдорнинг номини намоздан кейинги дуода тилга олиб, унинг ҳақиқий ҳукмдор эканлигини тан олмоқ. *Бир куни Абу Убайд Қобуснинг ўғли Манучеҳр Маҳмуд номига хутба ўқитиб, расман унинг ҳокимлар қаторига ўтгани тўғрисида хабар олиб келди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Никоҳлаш вақтида ўқиладиган дуо. *Қози никоҳ хутбасини ўқишга киришди..* С. Айний, Эсдаликлар. *-Афанди, шайтоннинг хотинининг оти нима? – деб сўради имом. -Никоҳ куни сиз хутба ўқиган эмансиз-ку, билмайсизми?* «Латифалар».

ХУТОР [*р.* хутор < *қад. нем.* huntari – вилоят, ҳудуднинг бир қисми] **1** Россияда қўрғони, уйлари билан алоҳида ажратиб, ўраб олинган, муайян шахсга қарашли ер майдони.

2 *тар.* Кубань, Украина ва Ўрта Осиёда икки-уч хўжаликдан иборат қишлоқча.

ХУФИЁНА [*а.* + *ф.* خفيانه – яширинча, билдирмай, зимдан] Бошқаларга билдирмасдан; яширин равишда; яширинча. *Кеча оқшом Аматжон масжиднинг имомию бир муллани чақиртириб, хуфёна никоҳ ўқиттириб қўйган эди.* С. Сиёев, Аваз.

ХУФИЯ [*а.* خفيه – яширинлик, махфийлик; сирини бошқаларга айтмаслик] **1** Бошқаларга билдирилмайдиган, сир тутиладиган; яширин, махфий. *Иброҳим султон Қораилон қулоғига шивирлаб, хуфия топшириқни маълум қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Амаки, ташқарида гаплашсак бўлмайдими? – деди қиз.. -Йўқ, – деди Жўра қоровул, – хуфия гап бор.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

2 Билдирмасдан бузуқилик қилувчи; яширин равишда фоҳишалик қилувчи. [*Мастура:*] *Менинг қўлимдан беш юзга етиб хуфияси, сатанги, акабаччалари чиқди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ХУФИЯКИ *айн.* **хуфиёна.** *Рўза ойи келиши билан Саид Бурҳон махзум кундуз кунлари қоронғи ҳужрага кириб.. хуфияки майхўрлик қилиб, дам олиб ётар.. эди.* Ғайратий, Махзум қочди.

ХУФТОН [*ф.* خفتن – ухламоқ, ухлаш] **1** Қуёш ботгандан бир-икки соат кейинги вақт; тахминан кеч соат еттидан ўнгача давом этувчи вақт. *Кеч кирди, хуфтон бўлди, баъзи ўтовларда чироқлар ўчди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *дин.* Қуёш ботгандан бир ярим соат ўтгач ўқиладиган кечки намоз. [*Тиллабой*] *Овқатларни хўп еб олгандан кейин, хуфтонни намозшомдаёқ чала-чулпа ўқиб олиб, дарров ухлаб қолар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Дили (*ёки* **кўнгли, таъби) хуфтон** Кўнгли ғаш; хафа. *Бўрининг дили хуфтон бўлди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Кўнглим бирдан хуфтон бўлиб, ўзимни ҳақоратлангандек сездим.* М. Қориев, Ойдин кечалар. **Етти (***ёки* **икки, уч) хуфтон** Алламаҳал, аллавақт. *Хайри ачанинг чоли азонлаб тегирмонга чиқиб кетади, шу билан икки хуфтонда қайтади.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Қўли кишанли Авазни сарбозлар етти хуфтонда.. мозористонга олиб келишди.* С. Сиёев, Аваз. **Хуфтон намози** *айн.* **хуфтон 2**. *Чол хуфтон намозини ўқиш учун тахмондан жойнамозни олиб, намат устига тўшамоқда эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ХУФЯ [*а.* خفيّه – сир; айғоқчи, изқувар] *тар.* Айғоқчи, изқувар. *Уларнинг бу музокараларини четда эшитиб турган хуфялардан бири бу сўзни Азизбекнинг қулоғига етказур.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Қосим-*

бек:] *Қулингиз Самарқанддаги хуфялардан келган бир хабарни амирзодамга кўрсатишдан тортинган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХУШ [*ф.* خوش — ёқимли, яхши, ажойиб; шод, қувноқ] **1** Яхши, ёқимли. *Яхши куй ва қўшиқ инсонга хуш кайфият бағишлайди.* Газетадан. *Димоққа бир хуш ҳид уради Боғлар ошиб келган шаббода.* Х. Салоҳ.

Вақти (*ёки* **кўнгли) хуш** Кайфи чоғ, хурсанд. *Вақти хуш бўп, карнай-сурнай қўяди, Ўйинчи, созанда бари келади.* «Баҳром ва Гуландом». *Фарҳоднинг кўнгли хуш бўлиб, Отаси ҳам бирга кетди.* «Баҳром ва Гуландом». **Хуш ёқмоқ** Жуда ёқмоқ, маъқул тушмоқ. *Бунақа шарт элликбошига албатта хуш ёқади-да! Дарров ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиққа олибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Хуш келибсиз!** *ёки* **хуш келдингиз!** Меҳмон келганда, ҳурмат юзасидан айтиладиган ибора. *-Хуш келибсиз, сафо келибсиз, жуда хурсандман, — деди уй эгаси.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Хуш келмоқ** Ёқмоқ, яхши кўрмоқ. *Унинг ўзига сариқ атлас хуш келса-да, бироқ ҳозир ўз хоҳишини бир ёққа қўя туриб, Отабек кўнглича кийинишга қарор қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хуш кўрдик** *айн.* **хуш келибсиз.** [*Бобур*:] *-Хуш кўрдик, бегим, — деди-да, унга ўнг елкасини тутди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Хуш кўрмоқ** Ёқтирмоқ, яхши кўрмоқ. *Аммо Анварнинг айниқса хуш кўрган кишиларидан биринчиси Раъно ва иккинчиси.. Насим исмли бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Хуш энди!** Хайрлашиш вақтида айтилади; хайр. *Менинг билан бирга келган Меҳрибонлар, хуш энди!* «Баҳром ва Гуландом». **Хуш қолинг** Хайрлашиш вақтида кетувчининг қолувчига яхшилик тилаб айтадиган ибораси. *Азаматлар, наъра шерлар.. Бегу хонлар, хуш қол энди!* «Эрали ва Шерали». **Хуши йўқ** Хоҳламаслик, ёқтирмаслик; хоҳиши йўқ. *Дастурхонда ҳолва, новвот, мураббо.. Заргаровнинг буларга хуши йўқ..* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Хуши келмоқ** Кайфияти яхши бўлмоқ. *Бундайлар ҳақида халқда кўча хандон, уй зиндон, деган нақл бор. Чунки хуши келганда, ундан қувноқ одам йўқ.* Ж. Абдуллахонов, Орият. **Хушига келса** Хоҳласа, ёқтирса. *Хушингга келса — шу, бўлмаса, билганингни қил.*

ХУШ- [*ф.* خوش — ёқимли, яхши; шод, қувноқ, хурсанд] Бир қанча қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «яхши, ажойиб; ёқимли, дилкаш, қувноқ, қувончли» каби маъноларни билдиради.

ХУШАТВОР [хуш + атвор] *эск. кт.* Хушфеъл, яхши ахлоқли, яхши хулқли. *Бердилар таълим менга мен билмаган ҳар кордин, Илму одобу ҳунар, фаҳм этмаган асрордин, Хушсуханлик, хушкаломлик ҳамда хушатвордин, Ҳеч бири бахтимга ёри бермади, нолон бошим.* Мутриб.

ХУШАХЛОҚ [хуш + ахлоқ] *кт.* Ахлоқи яхши, одобли. *Хушхулқ, хушахлоқ.. тўғрисўз Маҳаммадкарим чинакам ботир, шижоатли, душманларга нисбатан раҳмсиз, шафқатсиз киши эди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

ХУШБАХТ [хуш + бахт] *кт.* Бахтли, саодатли. *Хушбахт йигит.* ▬ *-Не Фарғона, эл тўй қилар, Қувнар, ўйнар хушбахт диёр.* Миртемир. *Биз ўшанда сўлим соҳилда хушбахт кезиб, анчагача қолиб кетдик.* Газетадан.

ХУШБАХТЛИК Бахтлилик; мамнунлик. *Шунга қарамай, ҳамма хурсанд, юзларда хушбахтлик жилваланарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ХУШБАҲРА [хуш + баҳра] *кт.* Кишининг баҳридилини очадиган; хушҳаво. *Бўлибсан ўзгача хушбаҳра, хушҳаво, чаманим.* Ҳабибий.

ХУШБАҲРАЛИК Одамнинг баҳридилини очишлик. *Ўрикзорга қараб турган, дид билан бино қилинган.. эски айвон озодалиги, хушбаҳралиги билан меҳмонлар диққатини жалб қилди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ХУШБИЧИМ [хуш + бичим] **1** Яхши тикилган; кийганда ярашадиган, бичими яхши (кийимлар ҳақида). *Хушбичим дўппи. Хушбичим костюм.* ▬ *Ўғилой чўлқуварлар фарзандларига чиройли ва хушбичим кийимлар тикиб берди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Бўйи-басти келишган, қадди-қомати чиройли. *Хушбичим йигит.* ▬ *Бир байрам кечасида унинг [Назокатнинг] сермароқ рақси ва хушбичим қадди-қоматини кўрган қандайдир меҳмон уни балет мактабига таклиф қилди.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

3 Ташқи қиёфаси, тузилиши, кўриниши чиройли, келишган. *Хушбичим иморат.* ▬ *Улардан бири [Алиев] барваста қомат, қуюқ*

қора қошли, хушбичим чеҳрали йигит эди. Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи.

ХУШБИЧИМЛИК Келишганлик.

ХУШБЎЙ [хуш + бўй II] Ёқимли ҳид таратадиган; яхши ҳидли, муаттар. *Ҳамма ёқни димоғни қитиқловчи хушбўй буғдой ҳиди тутиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Димоғига аллақандай хушбўй атир иси гупиллаб урилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХУШВАҚТ [хуш + вақт] Вақти чоғ, хурсанд, шод. *Очил кечагидан анча бошқача – шўх, хушвақт.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Даврада унинг [Бўрининг] дастидан рўшнолик кўролмай юрганлар хушвақт бўлди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Хушвақт бўлинг! Меҳмон келганда айтиладиган «Хуш келибсиз!» иборасига жавобан айтилади. [*Рихси хола:*] *Хуш кептилар!* [*Саодатхон:*] *Хушвақт бўлинг!* С. Зуннунова, Янги директор.

ХУШВАҚТЛИК Хурсандчилик, шодлик. [*Шариф:*] *Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар.* [*Ҳамма:*] *Хушвақтлик бўлсин.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.

ХУШГАП [хуш + гап] Ширинсўз; хушмуомала. *Хушгап одам.* ▬ [*Меҳмонларнинг*] *Баъзилари адабиётдан хабарсиз бўлсалар ҳам, хушгап, хушчақчақ ва аскиячи эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Очиқ чеҳра, диловар, марду хушгап, Кўзи ўйнаб турар кулганда сўзлаб.* Ҳабибий.

ХУШДИЛ [хуш + дил] *кам қўлл.* Очиқ кўнгил, ёқимли. *Вагонда қолаётган солдатлар оққўнгил, хушчақчақ ва хушдил улфатидан ажралиб қолаётганларига ачинардилар.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ХУШЁҚМАС Ишга бўйни ёр бермайдиган; дангаса, ишёқмас. *Хушёқмасни эл хушламас.* Мақол.

ХУШЁҚМАСЛИК Дангасалик, ишёқмаслик. *Хушёқмаслик билан ишламоқ.* ▬ *Амалдорлар ўзаро гап сотиб, вазифаларини хушёқмаслик билан бажарардилар.* Ойбек, Навоий.

ХУШИЧИМ Яхши ичиладиган, ютуми яхши, ичишли. -[*Мусаллас*] *Жуда хушичим, кайфи ҳам нозик.. – деди кампир Зумрадга.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХУШКАЙФ [хуш + кайф] **1** Кайфияти яхши, хурсанд, ўйнаган-кулган, хушчақчақ. *У жуда хушкайф эди.* ▬ *Хушкайф бир гуруҳ тор кўчадан чиқиб, мадраса орқасида ғойиб бўлди.* Ойбек, Навоий.

2 *айн.* **шиpакайф.** *Хушкайф одам.*

ХУШЛАМОҚ Ёқтирмоқ, суймоқ. *Самиғжон ҳам бошқа қишлоқ қизлари орасидан ёлғиз Матлубани хушласа керак, уни кўпроқ суратга олишга тиришарди.* О. Ёқубов, Излайман. *Семиз, бети очиқ қора хотин менга хушламай боқди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Кўнглини (*ёки* **вақтини) хушламоқ** Бировни хурсанд қилмоқ, унга шодлик, вақтичоғлик бахш этмоқ. *Ҳеч кимса бийларнинг кўнглини хушламайди..* «Алпомиш». *Уч канизи бувисининг вақтини хушлаб.. рўмолини бошига елвагай ташлаб, чопишиб.. бора солиб, занжирни ушлади.* «Эрали ва Шерали».

ХУШЛАШМОҚ 1 Хушламоқ фл. бирг. н.

2 *фольк.* Ёқимли сўз ва ҳаракатлар билан бир-бирларини хурсанд қилишга уринмоқ. *Мени кўриб, кўшкдан у пастга тушди, Парвона бўб, атрофимда хушлашди.* «Нигор ва Замон». *Раъно баргига қўниб, шўхлик бошлашиб, Мен билан хушлашдилар булбул, саъваси.* Ғайратий.

3 Бир-бирига «хуш келибсиз», «хуш қолинг» дейишмоқ; хайр-хўшлашмоқ; хайрлашмоқ. *Чаққон дарвозадан уларни чиқариб, хушлашиб, Соқи билан Авазни жўнатди.* «Бўтакўз».

ХУШЛУҚУМ [хуш + *а.* لقم – «луқма I» с. нинг кўпл.] *кам қўлл.* Ютуми яхши; хушичим; лаззатли. -*Во-ей, муздаккина-я, ажаб хушлуқум, ютган сари роҳат қиляпман, – деди Унсин морожнийни ялаб.* Ойбек, Улуғ йўл.

ХУШМАНЗАРА [хуш + манзара] Кўриниши кишининг баҳридилини очадиган; чиройли манзарага эга; кўркам. *Ўзининг қисқа умрини шу хушманзара водийда тинчгина ўтказсин, эркинликдан маҳрум бўлмасин.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Янги Ўрда, юқорида ёзганимиздек, ҳақиқатан шукуҳлик, хушманзара бино қилинган эдики, унинг ҳозирги харобасидан ҳам кўрса бўлур.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХУШМАНЗАРАЛИК Кўркамлик. *Бу шийпон ўзининг хушкайф ва хушманзаралиги билан қишлоқда.. «Обид кетмоннинг шийпони», деб машҳур бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ХУШМУЛОЗИМ [хуш + мулозим] Кишини хурсанд қилишга тиришадиган; хушмуомала, хушфеъл, сермулозамат, сертавозе. *Хушмулозим йигит.* ▬ *Бу ерда, хушмулозим мезбонларимизнинг қабул маросимида кўп мамлакатларнинг вакиллари тўпланган.* Газетадан.

ХУШМУЛОЗИМАТ [хуш + мулозимат] *айн.* **хушмулозим.** *Хушмулозимат мезбон.*

ХУШМУЛОЗИМАТЛИК Хушмуомалалик, сертавозелик. *-Мен дарвозага етар-етмас, мингбошининг ўзи чиқди: болани сўкиб, мени эса яна ҳам хушмулозиматлик билан қарши олди, — деди Шокиржон.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ХУШМУОМАЛА [хуш + муомала] **1** Муомаласи, гап-сўзлари, хатти-ҳаракати ёқимли; хушфеъл. *Ҳақиқатдан ҳам Лаълининг бунчалик хушмуомала йигитни биринчи бор кўриши, гап билан элитиб қўяди-я!* Д. Нурий, Осмон устуни. *Бошлиқнинг хушмуомала, маданиятли бўлгани яхши..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *от взф.* Одоб билан ёқимли муомала қилиш; хушфеъллик. *Анвар ҳар ким учун севимли ва хушмуомаласи барчага баравар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХУШМУОМАЛАЛИК Бировга яхши муомалада бўлиш. *Рихсивой аканинг хушмуомалалик одати ҳамсуҳбатига қаттиқ гапиришга имкон бермади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ХУШМЎЙЛОВ [хуш + мўйлов] Мўйлови чиройли, мўйлови ўзига ярашган. *Йигитлар кулумсираб, ўртадаги думалоқ юзли, хушмўйлов йигитга ишора қилишди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Ўртадаги сўрида ўтирган баланд бўйли.. хушмўйлов йигит сўрини қасир-қусур қилиб, ўзини пастга отди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ХУШНАВО [*ф.* خوشنوا — хушоҳанг, ёқимли овозли] Ёқимли куйлайдиган; куйлари, қўшиқлари кишига завқ-шавқ бағишлайдиган. *Минг фарёдким, ўзбек поэзия гулистонида хандон урган хушнаво булбул сайрашдан тўхтади.* Н. Сафаров, Мардлар. *Ҳофизу созанда — жамъи хушнаволарга салом.* Муқимий.

ХУШНУД [*ф.* خوشنود — мамнун, қониққан; шод, хурсанд] *кт.* **1** Хурсанд, шод; мамнун. *Миробидов.. уйга жуда хушнуд кайфиятда кириб келди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Барча хушнуд, диллар чоғ эди.* Э. Воҳидов, Нидо.

2 Кишини хурсанд қиладиган; кайфиятини кўтарадиган. *Шерзоднинг кўкрагига фонендоскопнинг муздек ҳалқаси тегиши билан вужудида хушнуд бир енгиллик сезди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

3 Хушнуд (эркаклар исми).

ХУШНУДЛИК Мамнунлик, хурсандчилик. *-Терим жуда хушнудлик билан бошланди, болам, — деди.. ота ҳаяжонланиб.* Ойбек. О. в. шабадалар. *Рўзғорнинг барча оғир-енгили Ҳабиба опанинг елкасида. Ҳамма ёқ саранжом-саришта. Болалари, эрининг чеҳрасида ҳам хушнудлик.* Э. Охунова, Элга содиқ аёл.

ХУШОВОЗ [хуш + овоз] Овози ёқимли, тиниқ. *Хушовоз ашулачи.* ▬ *Булоқ бўйларида гул, райҳон, ялпиз, Қушлар хушовоздир, баланд парвоздир.* Миртемир.

ХУШОМАД [*ф.* خوش‌آمد — (*л.м.* яхши келди, хуш ёқди) — саломлашиш, салом бериш; ёқимли сўз; тилёғлама мақтов] Бирор кишига тамагирлик билан хизмат қилиш, сермулозамат бўлиш, мақташ ва ш.к.; хушомадгўйлик, лаганбардорлик. *Хом кишини хушомад хароб этар.* Мақол. ▬ *Айрим раҳбарлардек Баширжонга ҳам хушомад ёқарди.* «Ёшлик».

Хушомад қилмоқ 1) хушомадгўйлик билан муомала қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ. *-Хотин киши эрига хушомад қила бошладими, билингки, у гуноҳ қилган бўлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл; 2) мамнуният ифодаси сифатида «дўст», «барака топ», «қурбонингиз бўлай» каби иборалар билан кимсага қарата хитоб қилмоқ. *Шўх йигитлар ўйинчига хушомад қилар, қийқиришар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУШОМАДГЎЙ [*ф.* خوش‌آمدگوی — хушомад айтувчи] Бировга хушомад қилувчи; лаганбардор. *Илмсиз бош қашир, Хушомадгўй гап ташир.* Мақол. ▬ *Сизга бошқа одамлар тўсқинлик қилди, бўлмаса, бундай зиёнчилар, хушомадгўйларни уриб, патини тўзитиб юборар эдингиз.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

ХУШОМАДГЎЙЛИК *қ.* **лаганбардорлик.** *Хушомадгўйлик қилмоқ. Хушомадгўйлик билан гапирмоқ.* ▬ *Олахўжа Элмуродни кўрган жойида хушомадгўйлик билан гаплашишга тиришарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУШОМАДОМУЗ [хушомад + *ф.* آمیز – ўхшаш, каби] *рвш.* Хушомад тариқасида, хушомад қилгандай; лаганбардорлик билан. *Унинг* [*раиснинг*] *ранги оқариб, хушомадомуз жилмайди.* С. Анорбоев, Меҳр.

ХУШОҲАНГ [хуш + оҳанг] Оҳанги қулоққа ёқадиган, ёқимли. *Бу ҳазин ва хушоҳанг куйлар, дам қувноқ, дам мунгли лапарлар тонг отгунча давом этишини истайди.* О. Ёқубов. Эр бошига иш тушса.

ХУШРЎЙ [*ф.* خوش‌روی – чиройли юзли] **1** Чиройли; гўзал. *Хушрўй қиз. Хушрўй йигит.* ▬ *Уруш вақти. Декабрь оқшомларидан бирида хушрўйгина жувон Тошкентнинг собиқ эски шаҳари кўчаларидан шошиб борарди.* Ф. Хўжаев, Онадек меҳрибон. *-Ёвонимизда Жумагул отли бир қиз бор. Ундай хушрўйи йўқ.. – деди тўра Ашир маҳрамга.* Ж. Шарипов, Хоразм,

2 *рвш.* Очиқ чеҳра билан, самимий. *Хушрўй қаршилаган ёшгина, қорачадан келган, истараси иссиқ бир хотин* [*Искандарога*] *челакда сув тутди.* Ойбек, Нур қидириб. *Саодат уларга одатдагидек кулиб, хушрўй жавоб қилиб ўтирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Хушрўй (хотин-қизлар исми).

ХУШРЎЙЛИК Чиройлилик; кўркамлик. *Хушрўйлик, кўзларидаги нур, юракдаги эзгулик, шўхлик, кўҳлилик – ҳаммаси тотувликдан экан.* Э. Охунова, Бахти кулганлар.

ХУШСУРАТ [хуш + сурат] Кўриниши чиройли, кўркам, гўзал. *Хушсурат одам.* ▬ *Унинг ёши ўтиб қолган, аммо қош-кўзидан ёшликда хушсурат бўлгани аниқ кўриниб турарди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Эридан анча ёш бўлган қора қош, қуралай кўзли хушсурат Ситорабону «дадаси уришиб бермасайди», деб ҳайиқиб турар эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ХУШСУХАН [хуш + сухан] Ёқимли сўзлайдиган, ширинсўз, суҳбати ширин. *Хушсухан одам.*

ХУШСУҲБАТ [хуш + суҳбат] Яхши суҳбат қурадиган, суҳбатни қизитадиган; гаписўзи ёқимли. *Хушсуҳбат одам.* ▬ [*Инженер*] *Ўттиз беш яшар, хушсуҳбат, қадди-қомати келишган.. қурилишга келган.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ХУШТАБАССУМ [хуш + табассум] Юзидан ёқимли табассум аримайдиган; хушфеъл. *Хуштабассум аёл.*

ХУШТАБИАТ [хуш + табиат] Хатти-ҳаракати ёқимли, хушфеъл; очиқ. *Оддийгина кийинган хуштабиат аёл Дадашевни кутувчилар столига таклиф қилди.* И. Раҳим, Тақдир. *Руқия опа ўрта ёшлардаги хуштабиат аёл экан.* Ў. Умарбеков, Кўк дафтарнинг сири.

ХУШТАБИАТЛИ *айн.* **хуштабиат.** *Неъматжон хуштабиатли, уятчан бир йигит бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромда сўзлашарди.* Ж. Шарипов, Саодат.

ХУШТАБИАТЛИК Хатти-ҳаракати ёқимли, хушфеъл бўлишлик. *У қиз хуштабиатлиги билан ажралиб турарди.*

ХУШТАВОЗЕ [хуш + тавозе] Тавозе билан муомала қиладиган; хушмуомала, илтифотли. *Хуштавозе одам.* ▬ *Қўни-қўшнилар билан саломлашиб юрадиган хуштавозе бу йигитдан қишлоқ кампирлари қочишмас.. эдилар.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ХУШТАКАЛЛУФ [хуш + такаллуф] Иззат-ҳурматни ниҳоятда ўрнига қўядиган; хуштавозе. *Хуштакаллуф одам.*

ХУШТАКАЛЛУФЛИК Хуштавозелик, сертакаллуфлик. *Хуштакаллуфлик билан муомала қилмоқ.*

ХУШТАКАЛЛУФЛИЛИК *айн.* **хуштакаллуф.** *Бу ерда харидорларга хуштакаллуфлилик кўрсатилади.* Газетадан.

ХУШТАЪБ [хуш + таъб] *эск. айн.* **хуштабиат.** *Рустамжон хуштаъб йигит. Унинг одоби, сиполиги Шокир акага кўп маъқул келарди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

ХУШТАЪМ [хуш + таъм] Суйиб истеъмол қилинадиган; таъми яхши, ёқимли; хушхўр. *Хуштаъм овқат.* ▬ *Махсум бу хуштаъм таомни шошиб-пишиб тановул қилгунича, кампир тепасида қараб турди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ХУШТАЪМЛИК Хуштаъм бўлишлик. *Сутга ёки қатиқ зардобига қорилган хамирдан тайёрланган нон хуштаъмлик хоссасига эга бўлади.* Ғ. Маҳкамов, Дастурхонимиз файзи.

ХУШТОР [*ф.* خوشدار – яхшиликка, ёқимлиликка эга] **1** Бирор кимсани севган, унга кўнгил қўйган киши; ошиқ. *Шу гўзал қизнинг хуштори бўлдим, Санъатин кўриб, завқларга тўлдим.* А. Пўлат. *Қамархонга хуштор бўлганларнинг сон-саноғи йўқ экан.* «Эртаклар».

2 Бирор нарса билан жуда қизиқадиган, унга меҳр қўйган; иштиёқманд, орзуманд. *Эҳтимол, булоқдан чиқаётган бу тиниқ сувнинг хуштори, кушандаси кўпдир: бу сув тоғу тошни тўлдириб юрган қушлар, кавак-кандикларда истиқомат қиладиган жониворлардан ортмас.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. -*Идорада ўтириб қиладиган иш районимизда ҳам топилади, — деди* [*Мўмина*] *гапни шарт кесиб, — унақа ишга хуштор бўлганимда, бу ерга* [*Мирзачўлга*] *келиб нима қилардим.* Ҳ. Нурий, Лочин боласи — лочин.

ХУШТОРЛИК Ошиқлик. *Барча шодлик сенга бўлсин, Бор ситам, зорлик менга, Барча дилдорлик сенга-ю, Барча хушторлик менга.* Э. Воҳидов.

ХУШФЕЪЛ [хуш + феъл] Феъл-атвори яхши, кишига муомаласи ёқадиган. *Хушфеъл одам.* ▬ *Тўладан келган, хушфеъл Шукур Каримович ҳам дастлабки кундан бошлаб унга ёқиб қолган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ХУШФЕЪЛЛИК Яхши муомала. *У* [*Дадамат ака*] *ажойиб хушфеъллик билан йигитларни чорпояга таклиф этди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ХУШХАБАР [хуш + хабар] Кишини хурсанд қиладиган хабар; яхши хабар; мужда. *Кечқурун Гулчеҳра билан гаплашгани кетган Муяссар ҳам хушхабар билан қайтди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ҳар гал биров сизга қўнғироқ қилса, юрагингизда бирор хушхабар эшитишнинг заифгина умиди пайдо бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ХУШХАНДОН [хуш + хандон] Хушчақчақ, хурсанд, шод. *Йўлда таниш-билишлар учраса, хушхандон кўришаман, ярашса-ярашмаса ҳазил қиламан.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

ХУШХАТ [хуш + хат] **1** *от* Чиройли ёзилган хат; чиройли ёзув, ҳуснихат. *Чокарнинг хушхатини Аваз дарров таниди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *сфт.* Чиройли ёзиш санъатига эга бўлган, хатни чиройли ёза оладиган, хати чиройли. *Мавлоно Абдусамад жуда хушхат котиб ва моҳир наққош эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

3 *сфт.* Чиройли, тартибли (ёзув ҳақида). *Хушхат ёзув.*

ХУШХОН [*ф.* خوشخوان — яхши, ёқимли ўқийдиган, хушовоз] Овози ёқимли, оҳангдор. *Боғи шинам, ариқ бўйида Гуркирайди райҳон, ялпизлар. Тўқсон ёшли ота тўйида Хизматдадир хушхон ҳофизлар.* Ҳ. Ғулом. *Бутун борлиқ хушхон қушларнинг Шод ялласи билан тўлғуси.* З. Диёр.

ХУШХОНЛИК Ёқимли овоз соҳиби бўлишлик. *Бу йигит хушхонлиги билан шуҳрат қозонди.*

ХУШХУЛҚ [хуш + хулқ] *айн.* **хушфеъл.** *Қиз боланинг хушхулқ, эпчил, уқувли бўлиб тарбияланиши.. кўпинча унга онадан ўтади.* «Саодат».

ХУШХУЛҚЛИК Яхши, ёқимли феълатворга эга бўлишлик. *Мажнун ўзининг хушхулқлиги ва ахлоқи билан ўқувчининг ҳар қанча таҳсин ва офаринига лойиқ.* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

ХУШХЎР [*ф.* خوشخور — яхши ейиладиган, мазали] Тотли, мазали. *Козим хушхўр айрондан мириқиб сипқарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ХУШЧАҚЧАҚ 1 Ҳаётдан мамнун; доимо хурсанд бўлиб юрадиган. *Раис.. қирқ бешэлликлар чамасидаги тўлагина, хушчақчақ киши эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Қувноқ, шод-хуррам. *Телефондаги хушчақчақ гап тугагандан кейин, бу ерда ҳалидан бери давом этаётган суҳбат бирдан маъносиз бўлиб туюлди..* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ХУШЧАҚЧАҚЛИК Қувноқлик, хурсандчилик, яхши кайфият. -*Ислом Норович, — деди у хушчақчалик билан, — ҳамма соҳага бир кўз билан қараладиган бўлди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

ХУШҚАД [хуш + қад] *кт. айн.* **хушқомат**. *Шийпонда енгил куй янграмоқда, хушқад, хушсурат бир жувон рақс тушмоқда.* О. Ёқубов, Диёнат.

ХУШҚОМАТ [хуш + қомат] **1** Қадди-қомати келишган; хушбичим. *Юпқа оқ кигиздан қалпоқ кийган хушқомат қизни аввал танимабман.* П. Қодиров, Қадрим.

2 *кўчма* Ҳашаматли, савлатли; адил. *Машина ойнасидан баланд, хушқомат иморатлар лип-лип ўтиб турипти.* С. Аҳмад, Меҳрибон. *Темир йўл ёқасидаги йирик япроқли хушқомат тераклар кумуш тангалардек нур сочиб жилваланарди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

ХУШҲАВО [хуш + ҳаво] Иқлими, ҳавоси жуда ёқимли; ҳавоси тоза. *Муҳиддинларнинг боғи ҳақиқатан хушҳаво, гўзал жойда экан.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ХУШҲИД [хуш + ҳид] *кам қўлл. айн.* **хушбўй.** *Хушҳид гул.*

ХУШҲОЛ [хуш + ҳол] *кт.* Бирор нарсадан мамнун, шод, хурсанд. *Хушҳол қилмоқ.* ▬ [*Эркин*] *Фикрининг аниқ айтилганидан хушҳол бўлиб, Салимжонга мулойим тикилди.* П. Қодиров, Эркин. *-Ассалому алайкум, Алихон ака, — деди Аҳмад хушҳол бўлишга тиришиб.* Ф. Мусажонов, Нозик масала.

ХЎБ [*ф.* خوب — чиройли, яхши; сифатли; мос, ярокли] **1** *айн.* **яхши 1**. *У савдогарни ўз ҳузурингизга олиб келиб, ҳисобни ўзингиз қилганингиз хўброқдир..* «Бўтакўз».

2 *эск. поэт. (кўпл. шаклда)* Чиройли, гўзал киши. *Хўблар била келганда-ку, мендан қиласиз ор, Энди ўзингиз яккаю танҳо, қарамайсиз.* Фурқат. *Гўзаллардан гўзалдир, хўбларнинг хўби, мумтози, Қилур мафтун агар бир кўрса ҳар ким ишваю нози.* Ҳабибий.

3 *айн.* **хўп** I **2**. *Ғафур ака шеърларимни ўқиган бўлса, хўб мени мақтаса керак, деган хаёл билан уйига бордим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *-Жонивор хўб етилибди-да, — деди Мадаминхўжа қовунни коса қилаётиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХЎЖА [*ф.* خواجه — ҳурматли, обрў-эътиборли киши; хўжайин, соҳиб; савдогар; мураббий] **1** *эск.* Бирор кимсанинг ёки нарсанинг эгаси; хўжайин. *Сўнг [мулозим] ялтоқланиб, хўжасига ўгирилди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..Хўжаси унинг [отнинг] ёлларини силаётганда, Лаъли унга ғамза қилиб: -Отингизга намунча хушторсиз? — деди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мардон Йўлчиевичга қараганда уй хўжаси Саримсоқ аканинг ёши улуғроқ эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 *тар.* Ўзларини чорёрларнинг авлодлари деб ҳисобловчи мусулмонларнинг фахрий номи. *Хўжалар муайян имтиёзларга эга бўлганлар.* «ЎзМЭ».

3 *этн.* Ўрта Осиёда илгари маълум имтиёзга эга бўлган оқсуяклар ва уларнинг авлодлари; *зид.* **фуқаро.** *Абдурасул, мен сизга айтсам, бизнинг Қамишкапа эскидан уруққа ажраб келади: фуқаро ва хўжа.* П. Турсун. Ўқитувчи.

4 Хўжазода эркаклар исмига қўшилади. *Мадаминхўжа тол соясида ўтирган экан, буларни кўриб, дарров ўрнидан турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Хўжа кўрсинга (*ёки* **кўрсин учун)** Бировни алдаш, чалғитиш учун; номига; нари-дан-бери, шунчаки, юзаки. *Хўжа кўрсинга ишлаб турмоқ.* ▬ *Баъзилар фақат хўжа кўрсин учун [ишга] чиқади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ХЎЖАБЕКА Хўжайин аёл; хўжайиннинг хотини. *Ҳасанали хўжабекасининг ички сирига унча ошна эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХЎЖАЗОДА [*ф.* خواجه‌زاده — хўжанинг фарзанди, авлоди] **1** Хўжайиннинг ўғли (*қ.* **хўжайин).** *Хўжазодасидаги бу ҳолат уни [Ҳасаналини] ҳар турли мулоҳазаларга олиб кета бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Хўжа (*қ.* **хўжа 3**) авлодидан келиб чиққан киши. *Келинг, ўзбеклар сараси.. Савдогар хўжазодалар, Сизми ўзбекнинг тўраси?* «Тоҳир ва Зуҳра».

ХЎЖАЙИН [*р.* хозяин (хозя+ин) < *ф.* خواجه — хўжа, эга, соҳиб] Бирор нарсага, мас., ер-сув, мол-мулк, уй-жойга эгалик қилувчи шахс; хусусий мулк эгаси; мулкдор, бой. [*Мирзакаримбой:*] *Ваъда.. Нодон. Хўжайин деган хизматкорларини қизиқтириш учун ваъда қилаверади-да..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор нарсанинг тўла ҳуқуқли эгаси. *Ўзимиз хўжайин ўз еримизга, Эркинмиз, номимиз, ҳуқуқимиз бир.* Р. Бобожон.

3 *с.т.* Раҳбар ходимга мурожаат шакли. *-Хўжайин, машина тайёр, — деди шофёри.* Газетадан.

4 *с.т.* Аёл кишининг турмуш ўртоғига мурожаат шакли. *-Хўжайин, овқат тайёр бўлди. Келтирайми? — Мастура ошхонадан туриб сўради эридан.* «Ёшлик».

ХЎЖАЙИНЛИК Хўжайин бўлишлик; хўжайин мақоми. [*Адолатхон:*] *Ёввойи ўтни йўқотишга кўз ёши керак эмас-ку. -Вой, Адолатхон, бизга нега хўжайинлик қиласиз?* [*деди қизлар*]. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ХЎЖАЛИК I **1** *иқт.* Жамият ишлаб чиқариш кучларининг тегишли тараққиёт босқичига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи; ижтимоий ишлаб чиқариш усули.

2 Ишлаб чиқаришни ташкил этадиган, уни юзага келтирадиган омиллар; ишлаб чиқариш мажмуи; ишлаб чиқариш. *Мамлакат халқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалиги.* ▬ *Оқсоқол чойдан яна хўплади-да, ҳар ким ўз*

мол-жонини ҳисобдан ўтказиши лозимлигини, район хўжалик ташкилотларининг бу ишни шошилтираётганини гапирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси, тармоғи. *Сув хўжалиги. Ўрмон хўжалиги.* ▬ *Шундай қилиб, бинокорлик бригадаси колхознинг бошқа хўжалик тармоқларидаги энг сара ва муҳим бригадалар қаторига кириб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Бирор кимса, ташкилот ёки халқ ихтиёридаги барча моддий бойлик, мулк-ашё, ер-сув, уй-жой, асбоб-ускуна ва жиҳозлар. *Сал кунда колхоз хўжалиги бир қадар тартибга тушгандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Хўжалик мудири Бирор ташкилот, муассаса ёки корхона ихтиёридаги мулк-ашёни бошқарувчи киши. *Колхоз хўжалик мудири бир арава лом келтириб ташлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Қишлоқ хўжалигидаги ва умуман ўз ерсувига, мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган ҳар бир алоҳида ишлаб чиқариш бирлиги, корхона. *Тангриқул ҳожи бақувват хўжалик эди. Ғулом ака ел келса йиқиладиган беқувват хўжалик эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кейинги йилларда мен раҳбар бўлган хўжалик негадир оқсаб қолди.* «Муштум».

6 Алоҳида уй-жойга эга бўлган ҳар бир оила, хонадон. *Ёйишга жойи бўлмаган хўжаликларгина молларини оғилхонага қамаб боқади.* С. Анорбоев, Оқсой. -*Бугун биз колхозда олтмиш хўжалик бўлсак, эрта-индин тўқсон, юз хўжалик бўламиз, — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХЎЖАЛИК II **1** *эск.* Бирор кимса ёки нарсага эгалик, хўжайинлик.

2 Хўжа авлодига мансублик (*қ.* **хўжа 3**).

ХЎЖАСАВДОГАР [*ф.* خواجه‌سوداگر] Ўрмон тўрғайининг бир тури.

ХЎЖАСИЗЛАРЧА *рвш.* Тежаб-тергамасдан, аямасдан, пала-партиш. *Ерлардан хўжасизларча фойдаланишга хотима бериш пайти келди.* Газетадан.

ХЎЖАСИЗЛИК Хўжаликнинг ихтиёридаги моддий бойликни, мулк-ашёни аямасдан, тежаб-тергамасдан иш тутиш; исрофгарчилик, ўзибўларчилик. *Хўжасизлик — эгасизлик хавфли ижтимоий иллатдир.* Газетадан.

ХЎЖАҒАТ Мевали бута ўсимлиги ва ўсимликнинг майда, тўқ қизғиш рангда бўладиган меваси; малина. *Маълумки,* ***хўжағат, қорағат, саримсоқ, зирк*** *сингари ботаник атамалар ўзбек тилида қадимдан ишлатилиб келади.* «ЎТА».

ХЎМРАЙМОҚ Қовоғини солиб тикилмоқ, ёмон кўз билан қарамоқ. -*Гавҳар менга хўмрайиб қаради-ю, терс ўгирилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХЎП I [*ф.* خوب — яхши, майли] **1** *тасдиқ юкл.* Бирор ишга розилик маъносини ифодалайди; майли, майлига. [*Отабек:*] *Раҳмат, ота, бўлмаса, бизга чой қайнатиб беринг-чи!* [*Ҳасанали:*] *Хўп, бегим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хўп, розиман бу даргоҳдан кетмоққа..* Ҳ. Олимжон.

Хўп бўлади Жуда соз, маъқул. -*Хўп бўлади,— дедим-у ўрнимдан турдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Хўп демоқ** Унамоқ, кўнмоқ, рози бўлмоқ. [*Ҳайитжон Тўлахонга:*] *Сенга нима бўлди, қизим! Боя хўп деганингда, шунчалик беюзчиликлар бўлмас эди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 *рвш.* Ниҳоят даражада; роса; жуда. *Болалар хўп ўйнашди. Хўп яхши иш бўлди-да.* ▬ -*Невараларингизга қараб хўп қувонасизда, ойи, — деди Комилжон кулиб.* С. Зуннунова, Ҳикоялар.

3 Диққат, эътибор билан, яхшилаб; жуда яхши. [*Жоной:*] *Ундай бўлса, менга бир оз муҳлат бер. Мен Мадаминнинг гапларига хўп қулоқ солиб, мақсадини билай.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сўзни танлаб сўзлаганлар — хўп билур сўз қадрини.* С. Абдулла.

Хўп бўпти *кест.* Ажаб бўлибди, жазосини тортсин.

ХЎП II *айн.* **хўптир**. *Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда.* «Қўшиқлар». -*Хўпга қўшилган ҳўкиздан фарқимиз йўқ эмиш, — деди ғазабини базўр жиловлаган ҳолда.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ХЎППА: хўппа семиз *с. т.* Ниҳоятда семиз, дум-думалоқ. *Шундай нозик, мўрчамиён нарсани ўша хўппа семиз давангирга берасизми?* Ш. Саъдулла, Икки билагузук. *Мўғуллар бало-қазодек қўрғончага бостириб киргач, кампир, боши тепасида турган сочлари ўсиқ, хўппа семиз башараларни кўрди.* М. Осим, Ўтрор.

ХЎПТИР Ғалла янчиш учун от, ҳўкиз каби ишчи ҳайвонлар қўшиб юргизилади-

ган, шох-шаббадан ясалган, устига одатда оғир юк бостириб қўйиладиган моласимон маҳаллий қурол. *Хўптир ҳайдамоқ.*

ХЎП-ХЎП *тасдиқ юкл.* Тасдиқни таъкидлайди, кучайтиради. *Хўп-хўп, шошманг.* ▬ *Мирҳомидхўжа таъзим қилди: -Хўп-хўп, жоним билан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ХЎР [*ф.* خوار – пасткаш, жирканч, разил; эътибори йўқ, ҳақир] *айн.* **хор** I. *Хўр бўлмоқ. Хўр қилмоқ*

ХЎРА [*ф.* خوره – бирор нарсага ўта берилган] Овқатни танламай кўп ейдиган, серовқат. *-Хотининг хўра бўлса – урди худо, молинг хўра бўлса – берди худо, деб шуни айтар экан-да! – луқма ташлади Шерали.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *-Оббо, мени сиз ҳам хўра деб атайсиз. Аслида ўлгудек чимхўрман! – деди Гўппонбой.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ХЎРАК [*ф.* خوراک – овқат, озиқ, емиш; иштаҳа] **1** Ейиш мумкин бўлган нарса; емиш, овқат. *Ақлли одам қиш ғамини ёз ер, Кеча бўлса, хўрагини оз ер.* Мақол. ▬ *Дастурхонда турфа ноз-неъматлар – хўраклар: палов, нишолда, ҳолва..* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Яқинларда табибларга кўрсатган эдим, қонингиз оз, қимиз ичинг, хўрак олдидан майиз истеъмол қилинг, деб кенгаш бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Хўрак қилмоқ Овқат емоқ, овқатланмоқ. *-Хўрак қилдингизми? – деди [Кумуш Отабекка].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Мол, ҳайвон, парранда овқати (ем, дон ва ш.к.). *Қўйга хўрак бермоқ.* ▬ *-Нега хўракка териб ташлаган бездек бўзрайиб турибсан? – деди Мавлон.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

3 *с.т.* Хўра.

ХЎРАКИ [*ф.* خوراکی – ейимли, емишли; озиқ-овқат] Ҳосили истеъмол қилинадиган, ейиладиган; истеъмол учун махсус экиладиган. *Экиладиган хўраки навларнинг узуми ширин ва мазали.* Р. Мусамуҳамедов, Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим.

ХЎРАКХОНА [хўрак + хона] *с.т.* Овқатланадиган жой; ошхона. *Шу серҳашам меҳмонхонанинг биринчи қаватида ундан ҳам ҳашаматлироқ хўракхона бор.* Газетадан.

ХЎРАМ-НОХЎРАМ [*ф.* خورم ناخورم – ейман-емайман] *рвш. шв.* Истар-истамас; зўраки, аранг. *Ноилож, хўрам-нохўрам судралиб, бориб-келиб ўқимоқдаман.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ХЎРАНДА [*ф.* خورنده – (овқат) еювчи] Овқат сотиб олувчи киши; овқатланувчи. *Аммо танноз официанткалар.. мунча хира хўранда экан, деётгандек туюлаверди йигитнинг назарида.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ХЎРДА I [*ф.* خورده – ейилган, ичилган], **хўрда ош** Гуручли суюқ овқат; мастава. *Ниҳоят, тушга яқин ойиси қилиб берган аччиқ хўрдани ичиб, бир оз ўзига келди..* П. Қодиров, Уч илдиз. *Шоқосим қаердадир пишириб берган серқатиқ хўрда ошдан у [Гулнор] ярим коса ичди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бировнинг хўрда-бурдасида бўлмоқ *дағл.* Кимса қарамоғида бўлмоқ. **Ҳам хўрдани, ҳам бурдани урмоқ** Икки тарафлама манфаатдор бўлмоқ.

ХЎРДА II [*ф.* خرده – ушоқ, парча; бўлак, майда] Ғадир-будур жойлари ейилиб, силлиқланган; текис. *Хўрда бўлмоқ. Араванинг ўқи ҳали хўрда бўлмапти.*

ХЎРИЛЛАМОҚ *айн.* **хурилламоқ.**

ХЎРИЛЛАТМОҚ 1 Хўрилламоқ фл. орт. н. *Чилимни хўриллатмоқ.*

2 «Хўр-хўр» овоз, шовқин чиқарган ҳолда. [*Ҳожиқудуқ:*] *Каравотга чиқдим-у, ёнбошлаб олиб, аччиққина кўкчойни хўриллатиб ича бошладим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ХЎРЛАМОҚ Бировнинг иззат-нафсини таҳқирламоқ, поймол қилмоқ. *Боқмасанг, молинг кетар; Хўрласанг, хотининг кетар.* Мақол. ▬ *Шу ўтиришда Муаззамнинг мени хўрлаганлари кўзимга кўринаверди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Раҳмат, азизларим, бировнинг боласини мунчалик хўрлаш яхши эмас.* А. Қодирий Ўтган кунлар. *Одамлар* [*Зиёдулланинг*] *сағирлигини билиб хўрлаяпти, дейман ўзимга ўзим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ХЎРЛИК Иззат-нафси поймол бўлиш, таҳқирланиш. *Кет десанг, Қашқар кетай, йўлларда ёлғизлик ёмон, Ёлғизликдан ким ўлибди, ҳаммадан хўрлик ёмон.* «Қўшиқлар». *Киши очликка чидаса ҳам, хўрликка чидолмайди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

Хўрлиги келмоқ Камситилганликдан руҳан қаттиқ эзилмоқ, ўта ўксинмоқ. *-Қасам ичаман, – дедим негадир хўрлигим келиб.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ХЎРОЗ [*ф.* خروس – хўроз] **1** Хонаки товуқларнинг ва баъзи товуқсимонларнинг

эркаги. *Бабақ хўроз. Урушқоқ хўроз.* ▬ *Қўноқдаги хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма с. т.* Танти; мард. *Хўроз йигит.* ▬ *Тантибойваччаникига борамиз эртага.. Жуда хўроз одам. Кўрсангиз, ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ғанивой жуда бопта иш қипти, бунақа ишни йигитнинг хўрози қилади, — деди Бургут.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

Хўроз гап *ёки* **гапнинг хўрози** *с. т.* Гапнинг асоси, хулласи. [*Юсуфжон:*] *Ҳамзахон, нуқул ҳақиқатни дангал ёзибсиз.. Бойлардан қўрқмай, хўроз гап қилибсиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Хўроз қичқирмасдан** Ниҳоятда барвақт, эрта тонгда. *Врач қабулига биринчи бўлиб ёзилай, деб хўроз қичқирмасдан келгандим.* «Муштум». *Келин хўроз қичқирмасдан туриб, нонга хамир қорди.* Газетадан.

ХЎРОЗБОЗ [*ф.* خروس‌باز — хўроз ўйновчи] Хўроз уриштиришни яхши кўрадиган одам. *Чунончи, машҳур Алимжонбойнинг ўғли Тўрахон бойвачча қўчқорбоз, хўрозбоз ва хотинбоз эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ХЎРОЗЛАНМОҚ Хўроз сингари ҳужумга ташланмоқ, хезланмоқ. *Нусратбек хўрозланиб ўрнидан турди, қорнини ичига тортиб, кўкрагини кериб, намойишкорона чиқиб кетди.* С. Нуров, Нарвон.

ХЎРОЗҚАНД [хўроз + қанд] Болалар учун хўроз шаклида тайёрланадиган ширинлик, қанд. *Ўғилча билан қизчаси, дадам хўрозқанд олиб келадилар, деб кўз тутиб ўтирибдими?* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ХЎРСИНИҚ Бирор ғам, ташвиш ва ш.к. туфайли чиқариладиган оғир нафас; уфуриш; хўрлиги келиб, кескин нафас олиш. *[Оқиланинг] Кейин яна юрагидан чуқур хўрсиниқ келиб, томоғига пичоқдай қадалиб ўтиб кетди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ХЎРСИНМОҚ Бирор ғам, ташвиш ва ш.к. туфайли оғир нафас чиқармоқ; уфурмоқ. *Чуқур хўрсинмоқ.* ▬ *Гулсум опа кўкрагида мавж урган туғённи ичига ютиб, секин хўрсинди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Навоий яширин, ичдан хўрсинди.* Ойбек, Навоий.

ХЎР-ХЎР *тақл. с.:* **хўр-хўр ичмоқ** Шовқин чиқариб, қаттиқ ҳўпламоқ, хўриллатиб ичмоқ. *Қодир дераза олдида тик турганча, шиша банкадан хўр-хўр қатиқ ичарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ХЎТИК Эшакнинг боласи; ёш эшак. *Ким, кучук бирлан хўтикка қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХЎШ I [*ф.* خوش] *юкл.* **1** Сўроқ гап олдида келиб, «айтинг-чи», «жавоб беринг-чи», «тушунтириб беринг-чи» каби маъноларни ифодалайди. *[Ҳомид:] Хўш, Содиқ полвон, ишлар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қисташ маъносини ифодалайди. *Ҳеч ким бошламади. -Хўш, гапиринглар, — деди Бўтабой.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Нутқ жараёнида топилмай қолган сўз ўрнида ёки пауза ўрнида қўлланади. *Хўш, бир нима демоқчи эдим.* ▬ *Хўш десангиз, Бағдод шаҳрида Абутанбал деган бир ялқов йигит ўз онаси билан яшар экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ХЎШ II [*ф.* خوش] *айн.* **хайр** II. *«Хайр, худонинг паноҳига, Анвар!» — «Хўш, Султонали ака!» — иккиси ажралишдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХЎШ III *унд с.* Молни ҳайдаш ёки қайтариш учун айтилади. [*Болалар*] *Хўш, хўш, жонивор, деб унинг [буқачанинг] орқасини силаб қўйишади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ХЎШЛАШМОҚ *айн.* **хайрлашмоқ.** *Намозгардан кейин Содиқ ўрнидан туриб, хўшлашиб чиқиб кетди.* Ойбек, Болалик. *-Шошма, каззоб! — деди Аваз. — Мен болалар билан хўшлашиб чиқай.* С. Сиёев, Аваз.

ХЎҚАЧА Кичик кўза; кўзача. [*Ойимтилла*] *Хўқачадаги зиғир ёғидан қозонга озгина солиб, пиёздоғ қилди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Чўпон хўқачага сув тўлдирди.* Н. Ёқубов, Жон.



ЦАНГА [*нем.* Zange – омбур, қисқич] *тех.* Металл қирқувчи ва ёғочга ишлов берувчи станокларда цилиндрик ёки призматик шаклдаги деталларни қисиб қўйиш учун мўлжалланган мослама.

ЦАПФА [*нем.* Zapfen – тиқин, пўкак; ўқ, стержень] *тех.* Машина, механизм, станоклар ўқи ёки валининг подшипникка таяниб, унда айланадиган қисми. *Буриш цапфаси.* ▬ *Цапфанинг зарур шакл ва ўлчамдан хиёл бўлса ҳам оғиши механизмнинг ишига салбий таъсир қилади, шунинг учун у жуда аниқ қилиб тайёрланади.* «ЎзМЭ».

ЦЕДРА [*итал.* cedro – лимон] Цитрус ўсимликлар (апельсин, лимон ва б.) мевасининг бўёқдор ташқи қавати, пўсти (майдаланган ёки қуритилган ҳолда озиқ-овқат саноатида ва ошпазликда зиравор сифатида ишлатилади)

ЦЕЗИЙ [*лот.* caesius – ҳаворанг, оч кулранг] *ким.* Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент, осон эрийдиган кумуш тусли юмшоқ ишқорий металл. *Шишага цезий аралаштирилганда эса у радиоактив нурланиш таъсирида хираланмайди.* «Фан ва турмуш».

ЦЕЙТНОТ [*нем.* Zeit – вақт + Not – эҳтиёж] Шахмат ва шашка ўйинида: дастлабки юришлар учун белгиланган вақт ортиқча сарфланиб, кейинги юришларни ўйлаш учун вақт етишмаслиги; вақт танқислиги. *Цейтнотда қолмоқ.*

ЦЕЛЛОФАН [*лот.* cellula – ҳужайра + *юн.* phanos – тиниқ, шаффоф] Вискозадан махсус йўл билан ҳосил қилинадиган юпқа, сув ўтказмайдиган шаффоф материал (мол ўраш учун ва полиграфияда ишлатилади). *Целлофан пакет. Целлофан цехи.* ▬ *Вискоза эритмасидан фақат сунъий ипаккина эмас, ундан целлофан, сунъий жун толаси, парда ва бошқа нарсалар ҳам ҳосил қилиш мумкин.* «Саодат».

ЦЕЛЛУЛОИД [целлюлоза + *юн.* eidos – кўриниш] Целлюлоза нитратидан тайёрланган, тез алангаланадиган, эластик шаффоф модда (атторлик буюмлари, ўйинчоқлар ва ш.к. лар ясашда ишлатилади). *Целлулоид массаси. Целлулоид ўйинчоқ.* ▬ *Маълумки, ишқаланиш натижасида пластмасса, целлулоид нарсаларда электр заряди вужудга келади.* «Фан ва турмуш».

ЦЕЛЛЮЛОЗА [*фр.* cellulose < *лот.* cellula – ҳужайра] **1** Глюкоза қолдиғидан ҳосил бўладиган, ўсимлик ҳужайралари қобиғининг асосий таркибий қисми бўлган юқори молекулали бирикма; ўсимлик тўқималарининг механик чидамлилиги ҳамда эластиклигини таъминлайди. [*Олимлар*] *Пахтанинг мураккаб кимёвий таркибини, айниқса, унинг.. «целлюлоза» деган моддадан таркиб топганлигини кейинроқ тушунганлар.* «Гулистон».

2 Ёғочдан ва баъзи бир ўсимликлар поясидан кимёвий йўл билан ҳосил қилинадиган тола модда [қоғоз ва картон, сунъий ипак, пластмасса, лок, портловчи моддалар ва ш.к. тайёрлаш учун ишлатилади]. *Ёғоч целлюлозаси. Пахта целлюлозаси.*

ЦЕЛЬСИЙ [швед астрономи ва физиги Андерс Цельсий (Celsius) номидан]: **Цельсий шкаласи** Сувнинг музлаш нуқтасидан қайнаш нуқтасигача бўлган температурани

Ушбу ҳарф луғат мақолалари А. Мадвалиев томонидан тузилди.

кўрсатадиган, 100 градусга бўлинган шкала ва шундай шкалали термометр.

ЦЕМЕНТ [*лот.* caementum – майдаланган тош; шағал] **1** *от* Сувга қорганда, тез қотиб, тошсимон массага айланадиган қурилиш материали; кукунсимон бириктирувчи қурилиш материалларининг умумий номи. *Юқори навли цемент.* ▬ *Цемент, оҳак, ганч, михларимизни – қурилишда зарур бўладиган нарсаларимизни – бўрондан, қумдан сақладик.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Икки кунда цемент ҳам топилди, бульдозер ҳам, бетон плиталар ҳам топилди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

2 *сфт.* Цемент билан сувалган, текисланган. *Цемент пойдевор. Цемент сувоқ.* ▬ *Йигитлар хароб станциянинг кенг цемент зинасида нон кавшаб ўтиришаркан, тасодифан.. бухоролик йигит келиб қолди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўнг қатордаги биринчи хонага боғланган каттакон тарғил сигир цемент охурни тили билан ялашдан тўхтаб, шохдор бошини кўтарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *анат.* Тишнинг ўзаги ва бўйни асосий тўқимасини қоплаб турадиган суяксимон модда.

ЦЕМЕНТЛАМОҚ Цемент билан сувамоқ, цемент билан бириктирмоқ. *Цементланган тротуар. Цементланган девор.* ▬ *-Биз қаршилик кўрсатганимиздан кейин, мозор бошқармаси дахманинг очиқ-тешик жойларини цементлаб ташлади, – деди Абдураҳмонов.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ЦЕНЗ [*лот.* census – баҳолаш, баҳоланган мол-мулк < censeo – рўйхатга оламан] Кишиларнинг айрим ҳуқуқлардан, хусусан ваколатли ҳокимият органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланишига рухсат берувчи, йўл қўювчи шартлар. *Мулк цензи. Сайлов цензи.* ▬ *Турли давлатлар конституциявий тажрибасида сайлов цензларининг ҳар хил турлари мавжуд.* Газетадан.

ЦЕНЗОР [*лот.* censor < censeo – рўйхатга оламан] Цензура хизматидаги, матбуот устидан назорат қилувчи шахс.

ЦЕНЗУРА [*лот.* censura – қадимги Римда цензор лавозими] **1** *тар.* Матбуот устидан назорат қилиб турувчи давлат муассасаси. *Лермонтов бир неча драмалар ёзди, лекин подшо цензураси уларни саҳнада кўрсатишга ижозат бермади.* Газетадан.

2 *тар.* Матбуот, саҳна ва ш.к. учун белгиланган асарларнинг, умуман, оммавий ахборот воситаларининг мазкур муассаса томонидан текшириб, назорат қилиб турилиши. *Цензура қилмоқ. Цензурадан ўтказмоқ.*

ЦЕНТ [*ингл.* cent < *лот.* centum – юз] АҚШ, Канада, Нидерландия ва б. айрим мамлакатларда шу мамлакатлар асосий пул бирликларининг юздан бирига тенг бўлган танга пул.

ЦЕНТНЕР [*нем.* Zentner < *лот.* centenarium – юз қадоққа тенг оғирлик] **1** Метрик ўлчов тизимида 100 килограммга тенг оғирлик ўлчови бирлиги. *Ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан беш центнер ошиб, 42 центнерга етди.* Газетадан.

2 Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда 50 килограммга тенг оғирлик ўлчови бирлиги

ЦЕНТНЕРЛИ Центнер оғирлигидаги. *Икки центнерли той.*

ЦЕНТНЕРЧИ *тар.* Ҳар гектар ердан маълум центнер ҳосил етиштирувчи деҳқон. *Юз центнерчи қизларнинг мақтови шеърга сиғмас.* Зулфия.

ЦЕНТРАЛИЗМ [*ингл.* centralism < *лот.* centrum – марказ, ўрта < *юн.* kentron – циркуль игнаси] *тар.* Маҳаллий муассаса ва ташкилотлар марказий ҳокимиятга, ягона бир марказга бўйсундирилган ва унинг кўрсатмалари асосида фаолият юритадиган бошқарув тизими.

ЦЕНТРИЗМ [*ингл.* centrism < *лот.* centrum – марказ] *тар. сиёс.* Сиёсий арбоблар ва ташкилотларнинг ижтимоий барқарорликка эришиш мақсадида турли хил мўътадил ҳаракат ва партияларни бирлаштириш йўлидаги интилиши.

ЦЕНТРИСТ [*ингл.* centrist] Центризм тарафдори, издоши.

ЦЕНТРИФУГА [*нем.* Zentrifuge < *лот.* centrum – марказ + fuga – қочиш] Катта тезликда айланиш пайтидаги марказдан қочма куч таъсири билан бир жинсли бўлмаган бирикмаларни таркибий қисмларга ажратадиган аппарат (кимёвий тадқиқотларда, озиқ-овқат саноати ва ш.к. ларда қўлланади). *Тупроқни механик анализ қилишда центрифугадан фойдаланилмоқда.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

ЦЕРИЙ [*лот.* Ceres, Cereris – кичик сайёра номи; элемент шу сайёра билан деярли бир вақтда кашф этилгани учун шундай номланган; Церера – рим мифологиясида ҳосилдорлик, оналик ва оила маъбудаси] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; яхши кесилувчи ва яссиланувчи металл.

ЦЕСАРКА *қ.* **сесарка**. *Цесарка жуда ҳаракатчан: учади ва тез югуради.* «ЎзМЭ».

ЦЕХ [*нем.* Zeche] **1** Завод, фабрика каби улкан саноат корхонасининг муайян маҳсулот ёки ярим фабрикат ишлаб чиқарадиган асосий ёки ёрдамчи бўлими. *Ип йигирув цехи. Цех бошлиғи.* ▬ *Заводнинг пахта тозалаш цехида эса чиқиндини қайта ишловчи регенератор ўрнатилди.* Газетадан. *Корхона цехларини ўзига хос ижодхонага қиёс қилиш мумкин.* Газетадан. *Ўгириш ишида киностудиянинг монтаж, овоз, фильмни қайта ишлаш ҳамда мураккаб съёмка цехлари фаолият кўрсатади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Шундай бўлим жойлашган бино. *Цехлар ичига шахдам қадам ташладик.* Ғайратий.

ЦИАН [*юн.* kyanos – оч ҳаворанг тош] *ким.* Азот билан углероддан иборат ўткир ҳидли, ёнувчи, рангсиз заҳарли газ. *Цианга сульфат кислота таъсир эттирилса, цианат кислота ҳосил бўлади.* «ЎзМЭ».

ЦИАНЛИ Таркибида циан бўлган. *Цианли калий.*

ЦИВИЛИЗАЦИЯ [*фр.* civilization < *лот.* civilis – фуқарога хос, давлатга хос] **1** Моддий ва маънавий маданиятнинг ижтимоий тараққиётида эришилган муайян босқич; маданий тараққиёт даражаси. *Шарқ цивилизацияси.* ▬ *Бозор иқтисодиёти – жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар босқичдир.* Газетадан.

2 *айн.* **маданият, тамаддун**.

3 Маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи. *Миср цивилизацияси. Месопотамия цивилизацияси.*

4 Инсониятнинг ёввойилик ва ваҳшийлик давридан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи.

ЦИГАРА *қ.* **сигара.** *Баланд мартабали меҳмон ёнбошлаб цигара чекар, бошқалар камтарлик билан чўкка тушиб ўтирарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЦИКЛ [*юн.* kyklos – гардиш, айлана, доира] **1** Маълум давр ичида такрорланиб турадиган иш, ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг ҳар бир даври. *Ишлаб чиқариш цикли. Ўзгарувчан ток цикли.* ▬ *Ғўза парваришининг тўла бир циклини амалга ошириш учун 10–12 кун вақт сарфланади.* Газетадан. *Роботнинг ишлаш циклини ўзгартириш, уни бошқа операция бажаришга мослаштириш мумкин.* «Фан ва турмуш».

2 *қ.* **туркум 2.** *Бундай асарлар орасида «Ватандошларим» цикли, «Мангулик» сингари ўнларча ажойиб очеркларимиз китобхонларга манзур бўлган.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Масалан, Гомер циклидаги поэмаларни ижро этган қадимги юнон мактаби.. бизга маълумдир.* «ЎТА».

ЦИКЛИК Цикллар бўйича содир бўладиган, циклли, даврий. *Қайта ишлаб чиқаришнинг циклик ҳаракати.*

ЦИКЛЛАШТИРМОҚ *айн.* **туркумламоқ 1**.

ЦИКЛЛИ Даврали, даврий. *Циклли жараён. Ишнинг циклли графиги.*

ЦИКЛОН I [*юн.* kyklon – айланувчи] *метеор.* Атмосферанинг кучли ёғингарчилик, шамол ва қуюқ булутланиш билан кечадиган шиддатли, уюрмавий ҳаракати; радиуси бир неча минг километрга етадиган ҳаво гирдоби. *Ернинг булут ва қор қоплами, кундузги ва кечқурунги уфқи фотосуратга олинди, довуллар ва циклонлар аниқланди.* Газетадан. *Ўзбекистонга Атлантика океанидан келадиган циклонлар қишда илиқ, ёмғирли, қорли об-ҳаво келтиради.* «ЎзМЭ».

ЦИКЛОН II *тех.* Ҳаво (газ)ни муаллақ қаттиқ зарралардан марказдан қочма куч таъсирида тозалаш учун мўлжалланган аппарат.

ЦИКЛОТРОН [*юн.* kyklos – айлана + (elek)tron – каҳрабо (бу ерда «трон» – электроникага алоқадор асбоблар номини ҳосил қилувчи қўшимча)] Зарядланган микрозарралар (протон ёки ионлар)нинг ҳаракатини тезлаштирадиган, атом ядросини текширишда ишлатиладиган мослама. *Келажакда энг кучли циклотронлардан бири бўладиган циклотрон пойдевори ёнига автосамосваллар кетма-кет келиб турибди.* Газетадан.

ЦИЛИНДР [*юн.* kylindros – вал, ғалтак] **1** *мат.* Цилиндрик сирт ва иккита параллел текислик билан чегараланган жисм. *Агар*

цилиндрик сирт ясовчилари цилиндр ясовчисига перпендикуляр бўлса, у тўғри цилиндр деб аталади. «ЎзМЭ».

2 *тех.* Шу шаклдаги деталь ёки буюм. *Ғилдиракнинг ҳар бир спицаси ўз ўлчамини ўзгартира олувчи ўзига хос пневматик цилиндрга эга.* Газетадан. *Мис, рух ва қалайдан тайёрланган.. цилиндрни кимдир ғилдиратиб келди.* «Муштум».

3 *кўчма* Соябони кичикроқ, тепаси баланд цилиндрсимон бош кийими, эркаклар шляпаси. *Цилиндр кийган киши.*

ЦИЛИНДРИК 1 Цилиндрга оид. *Цилиндрик жисм.*

2 Цилиндр шаклидаги, цилиндрсимон.

ЦИЛИНДРЛИ 1 Цилиндри бўлган, цилиндр билан таъминланган. *Цилиндрли машиналар. Тўрт цилиндрли двигателлар.*

2 Бошига цилиндр кийиб олган. *Цилиндрли киши.*

ЦИНГА [*қад. р.* цинга – панжа бўғимларининг зирқираб оғриши] *тиб.* Витамин етишмаслиги туфайли юз берадиган, дармонсизлик, тиш милкларининг бўшашуви, қонаши ва тишларнинг тўкилиши билан характерланадиган касаллик. *«С» витамини рахит, витаминоз, цинга касалликларидан сақлайди.* «Саодат».

ЦИНК [*нем.* Zink – рух] *ким.* Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон-оқиш, яхши чўкичланадиган металл, рух.

ЦИНКОГРАФ Цинкография мутахассиси. *Цинкографлар офсет-босма фабрикаси аҳил жамоасининг ишчан аъзоларидир.* Газетадан.

ЦИНКОГРАФИЯ [цинк + *юн.* grapho – ёзаман] *плгрф.* **1** Типографияда расм, чизма ва ш.к. ларни босиш учун фотомеханик йўл билан рух клишелар тайёрлаш усули. *Цинкография клишеси. Чизмани цинкография усули билан босиб чиқариш.*

2 Шундай клишелар тайёрлайдиган корхона ёки цех. *Нашриётимизнинг цинкография цехи республикамиздаги энг йирик иллюстрация устахонаси ҳисобланади.* Газетадан.

ЦИРК [*лот.* circus – айлана, доира] **1** Санъатнинг акробатика, гимнастика, масхарабозлик, иллюзионизм, дорбозлик, жонглёрлик, ҳайвонлар ўргатиш, ўйнатиш ва ш.к. жанрлар (томошалар)ни ўз ичига олган тури. [*Искандар*] *Олти-етти ёшларда отасидан етим қолиб, кўчманчи цирк артистлари билан кўп шаҳарларни кезган.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

2 Санъатнинг шу турини томошабинларга кўрсатиш билан шуғулланадиган муассаса ва унинг биноси. *Тошкент цирки.* ▬ *Улар цирк олдидан ўтиб, аллақандай ариқчалардан ҳатлашди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЦИРКОНИЙ [*лот.* zirconium < *нем.* Zirkon < *ф.* زرگون – тилларанг, олтин рангли *ёки а.* زرقون – қимматбаҳо тош; сурик] *ким.* Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон ялтироқ, қийин эрувчи қаттиқ металл. *Соф цирконий атом техникасида нейтронларни қайтарадиган конструкцион материал сифатида ишлатилади.* «ЎзМЭ».

ЦИРКУЛЬ [*лот.* circulus – айлана, доира] Тушь ёки қалам билан айлана, доира, ёйлар чизишга, чизиқлар, кесмалар узунлигини ўлчашга хизмат қиладиган чизмачилик асбоби; паргар. *Циркуль билан айлана чизмоқ. Циркуль игнаси. Циркуль оёқчаси. Чизмачилик циркули.*

ЦИРКУЛЯР [*нем.* Zirkular < *лот.* circularis – айланма] *эск.* Юқори раҳбар органлар томонидан ўзига қарашли ташкилотларга ёки барча тобе мансабдор шахсларга юбориладиган ёзма фармойиш, буйруқ; кўрсатма. *Циркуляр олмоқ. Циркуляр телеграмма.*

ЦИРКЧИ Цирк артисти. *Чорсунинг ўртасида иккита тахта аравада Юпатовнинг циркчилари тўхтаб, жар солар эдилар.* F. Ғулом, Шум бола. *Циркчи хотин ўзининг 12 «дўстлашган» тимсоҳлари билан майдонга чиқиб келади.* Газетадан.

ЦИРРОЗ [*юн.* kirrhos – сарғиш, малла ранг] *тиб.* Жигар, ўпка, буйрак каби аъзолардаги қалин бириктирувчи тўқималарнинг ўсиб, катталашиши оқибатида шу аъзонинг чандиқланиб бужмайиши ва шаклининг ўзгариши; склероз. *Жигар циррози.*

ЦИСТЕРНА [*лот.* cisterna – ҳовуз, ҳавза; сув омбори] **1** Суюқликлар, суюқ газлар, тўкиладиган маҳсулотлар сақланадиган ёки ташиладиган кўчма ёки стационар резервуар, идиш. *Дастлабки сув цистерналари Газлига етиб келди.* Газетадан.

2 Шундай резервуар ўрнатилган автомобиль, вагон ва ш.к. *Жавод машинасининг бункерини бўшатгани чиққан кезда кўчма*

заправка цистернаси келиб қолди. И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

ЦИСТЕРНАЛИ Цистерна ўрнатилган. *Цистернали вагон.*

ЦИСТИТ [*юн.* kystis – қовуқ + itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Қовуқнинг яллиғланиши билан характерланувчи касаллик. *Цистит касаллиги.* ▬ *Цистит ўз вақтида даволанмаса, сурункали касалликка айланиб кетиши мумкин.* Газетадан. *Циститнинг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш.. парҳезга эътибор бериш керак.* «Саломатлик» энциклопедияси.

ЦИТАТА [*лот.* citatum < citare – чақирмоқ, даъват қилмоқ; номламоқ] Бирор матндан, адабий, мусиқавий ва ш.к. асардан айнан кўчирилган парча; иқтибос. *Цитата келтирмоқ.* ▬ *-Цитаталар ўринли, лекин назаримда, улар кўпайиб кетган, – талаба журъатсизлик билан ўз фикрини билдирди.* «Ёшлик».

ЦИТАТАБОЗЛИК Цитаталар келтиришга берилиб кетиш, ўринли-ўринсиз равишда цитаталар келтиравериш. *Цитатабозлик касали.* ▬ *Цитатабозлик ва умумий гаплар билан вақтни олиш сингари ярамас ҳоллар ҳали батамом тугатилмаган.* Газетадан.

ЦИТО- [*юн.* kytos – идиш; омбор; ҳужайра] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзи бирикиб келган сўзнинг ҳайвон ёки ўсимлик ҳужайраларига алоқадорлигини кўрсатади, мас., *цитокимё, цитология.*

ЦИТОДИАГНОСТИКА [цито.. + диагностика] *биол. тиб.* Тананинг бирор сиртидан ёки унинг суюқликларидан олинган ҳужайра унсурларини микроскопик тадқиқ этиш йўли билан касалликларни аниқлаш.

ЦИТОКИМЁ [цито.. + кимё] Ҳужайра тузилмаларининг кимёвий таркиби ва ўзгаришларини ўрганадиган фан; цитологиянинг бир бўлими. *Цитокимё соҳасидаги тадқиқотлар 19-асрнинг ўрталаридан 20-аср ўрталаригача айниқса жадал ривожланган.* «ЎзМЭ».

ЦИТОЛИЗ [цито.. + *юн.* lysis – эриш; бузилиш] *биол.* Ҳайвон ва ўсимлик ҳужайрасининг одатдаги физиологик жараёнлар ҳамда турли патологик ҳолатларда бутунлай ёки қисман эриши.

ЦИТОЛОГИЯ [цито.. + *юн.* logos – таълимот] Ҳужайраларнинг тузилиши ва функциясини, кўп ҳужайрали ва бир ҳужайрали организмлардаги аъзо ва тўқималарнинг ўзаро боғланиши ва муносабатларини ўрганувчи фан. *Ҳозир республикамиздаги мавжуд тиббиёт институтларида цитология гистология билан қўшиб ўқитилади.* «ЎзМЭ».

ЦИТРУС [*лот.* citrus – лимон] Лимон, апельсин, мандарин каби ўсимликларнинг умумий номи. *Кавказ цитруслари. Цитрус меваси.* ▬ *Цитрус ўсимликларини иқлимлаштириш юзасидан олиб борилган ажойиб ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда.* Газетадан.

ЦИФЕРБЛАТ [*нем.* Zifferblatt < Ziffer – рақам + Blatt – варақ; қават, қатлам] Стрелкали ўлчов асбобларида рақамли бўлинишларга эга бўлган пластинка; у бўйлаб ҳаракатланадиган стрелка учи ўлчанаётган катталик қийматини кўрсатади. *Рўпарадаги юмалоқ тарози циферблати устидаги мил ҳаракатга келди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. [*Соатнинг*] *Циферблати ҳам эски, рақамларига доғ тушган.* Ў. Умарбеков, Соат.

ЦИФЕРБЛАТЛИ Циферблат ўрнатилган, циферблати бор. *Циферблатли тарози.*

ЦОКОЛЬ [*итал.* zoccolo] **1** *архит.* Бино, иншоот ташқи деворининг, ҳайкал ва ш. к. нинг фундамент устига қурилган ва юқори қисмига нисбатан олдинга бир оз туртиб чиққан пастки қисми. *Бино цоколи. Цоколь плитаси.* ▬ *Цоколь пишиқ ғишт, бетон ёки темир-бетон блоклардан ишланади.* «ЎзМЭ».

2 *тех.* Электрон ва чўғланма лампаларда лампани патронга бириктиришга хизмат қиладиган конструктив қисм.

ЦУНАМИ [*яп.* – ажал ва вайроналик келтирувчи тўлқинлар] Сув остида ёки соҳил бўйида кучли зилзила бўлганда ёки сувости вулканлари отилганда, денгиз устида пайдо бўладиган жуда катта, ҳалокатли тўлқинлар. *Бир неча мамлакатларда аҳолини цунамидан хабардор қилиш хизматлари тузилган.* «ЎзМЭ».



ЧАВАНДОЗ 1 [*ф.* چپاندار – чап қўл билан ўқ (камон) отувчи; чапдаст; моҳир] От чоптириш, улоқ чопиш, отда ўйнаш санъатини эгаллаган одам. *Икки чавандоз ёнма-ён от йўрттириб келарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У [Авлиёқул] эски чавандоз, неча улоқларда қатнашиб, оёғи маймоқ бўлиб қолган.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

2 *кўчма* Илғор, пешқадам. *Олти йил ўтдими шунга, мана энди Анорхон бригадирлар чавандози.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар. *Илм-фан йўлида моҳир чавандоз бўлаверинг.. кашфиётларингиз шуҳрату шон топаверсин.* Газетадан.

ЧАВАНДОЗЛИК Отда юриш маҳорати. *Славик эгарга ўтириб, «мана мен кимман!» дегандек, чавандозлигини кўз-кўз қилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЧАВАТИ *шв. айн.* **чапати.** *Ҳар куни чол ўтинга чиқиш вақтида хотини иккита чавати қилиб берар экан.* «Эртаклар».

ЧАВГОН [*ф.* چوگان – учи эгри таёқ] Учи эгри қилиб тайёрланган махсус таёқ; шу таёқ ва тўп билан от устида ўйналадиган жамоавий спорт ўйини. *Дарвозахонага яқинлашиб, симтўр билан ўралган майдончада чавгон ўйнаётган ёшларга яна кўзи тушди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧАВКАР 1 *сфт.* Ола-була; қора холли, хол-хол (от туси ҳақида). *Чавкар отда қоққан қозиқдек бўлиб ўтирган.. йигит: -Мана бу бўз хўп чарчатди мени, — деди.* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

2 Шундай тусдаги от. *Нигора ўша куни пешин маҳалда чавкарини қора терга ботириб, Оқсойга кириб келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧАВКОН *айн.* **чавгон.** *[Одамлар] Отларини гижинглатиб, «чавкон» ўйинидан қайтадилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ЧАВОҚ Балиқ тури. *Ҳавода бир неча майда чавоқ ялт-юлт этди-ю, сувга тушиб кетди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ЧАВОҚЛАМОҚ Бир неча ерига пичоқ урмоқ, пичоқ уриб ичак-човоғини ағдармоқ. *Низомиддин читфуруш.. маст вақтида ўзини чавоқлаб қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЧАЁН 1 *зоол.* Ўргимчаксимонлар синфига мансуб бўлган бўғимоёқлилар туркумига кирувчи заҳарли ҳашарот. *Ривоятларга қараганда, чаён ўзининг вижир-вижир болаларини ўз елкасида олиб юрармиш.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *кўчма* Тили аччиқ, бамисоли чаёндек чақувчи, газанда (одам ҳақида). *[Султонали:] Бу калтакесак ютган чаённинг юрагида сизга қарши катта адоват бор.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Чаён чақиб олгандай *ёки* **чаён чаққан одамдай** Бирданига тезлик билан; кучли даражада. *Умар акам бу гапни шу қадар ишонч билан айтдики, чаён чаққан одамдай сапчиб туриб, бора солиб, ёқасига ёпишгим келди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧАЁНВАЧЧА 1 Чаённинг боласи.

2 *кўчма* Газанда, ёмон одамнинг боласи. *Сиз билан бирга турмага киришга розиман, дадажон, аммо чаёнваччага [Неъматга] эрга тегмайман.* З. Фатхуллин, Булутсиз кўланка.

ЧАЁНЎТ Пояси ва барги заҳарли қилчалар билан қопланган, баданга тегса қаттиқ қичитадиган ёввойи ўт.

ЧАЙИНДИ Бирор нарса чайилгандан кейин қолган ифлос, кир сув.

ЧАЙИР I **1** Толалари маҳкам бириккан, ёрилиши, ишланиши қийин (ёғоч-тахта, ўтин ҳақида). *У чайир тўнкалар ёриладиган ўткир болтани олиб.. отхона томонга шахдам юриб кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Бақувват, пишиқ. *Умар озғин, чиллакдек бўлса ҳам, жуда чайир.* С. Аҳмад, Сайланма. *Мансур.. унинг [Гавҳарнинг] нозик, аммо чайир қўлини маҳкам қисди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЧАЙИР II Қуруқ даштларга мослашган, гуллари сарғиш, озуқабоп ва шифобахш ўтсимон ўсимлик. *Чайирнинг илдизларида шира – смола, крахмал, баргларида эфир мойи бор.* «ЎзМЭ».

ЧАЙИРЛИК Пишиқлик, кучлилик. *[Қўшнилар] Оташнинг чайирлигини эслаб, Ойқиз холанинг кўнглини кўтаришади.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЧАЙЛА Шох-шабба, қамиш ва ш. к. дан одатда полиз экинлари тепасига вақтинча қурилган уйча; капа. *Адирнинг қоқ ўртасига тоғам қамиш, шохлардан чайла қуриб олган эди.* «Шарқ юлдузи».

ЧАЙМОҚ 1 Ювилган нарсани тоза сувга ботириб ёки устидан тоза сув қуйиб, чайқаб тоза қилмоқ. *Болакай дарров чойнакни ариқчада чая бошлади.* Р. Файзий, Асад либоси.

Кир чаймоқ Ювилган кирларни тоза сувда чайқаб, совун юқини кетказмоқ. *Мўътабархон ҳайрон бўлди-ю, кирларини тез-тез чайиб қўя қолди.* «Муштум».

2 Ювмоқ. *[Яхшибоев] Шошилмай ваннахонага кириб, юз-қўлини чайиб, артиниб, шундан кейингина ичкарига ўтди.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 Пок, тоза тутиш ёки даволаш учун сув ёки бирор доривор суюқлик билан ювмоқ; чайқамоқ. *Оғиз чаймоқ. Томоқни сода билан чаймоқ.* ▬ *Садаф каби оқ тишларини бир-икки чайди-да, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ҳўл, нам қилмоқ (ёғин-сочин, шудринг ҳақида). *Кечагина ёққан жала ўтўланлар билан гиёҳларни чайиб ўтибди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Шудринг чайган ёлғизоёқ йўлдан юқорига унсиз юришди.* «Ёшлик».

ЧАЙНАЛГАН 1 Чайнамоқ фл. сфдш. *Чайналган гўшт.*

2 *кўчма* Кўп марта эшитилган, сийқаси чиққан; эски. *Чайналган мавзу.* ▬ *Миялари бошқа нарса билан машғул бўлган косиблар, эснашдан ўзларини зўрға тийиб, чолнинг минг марта чайналган гапини тинглар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

ЧАЙНАЛМОҚ 1 Чайнамоқ фл. мажҳ. н. *Чайналган нон.*

2 *кўчма* Ўнғайсиз ҳолатга тушиш натижасида ноаниқ гапирмоқ. *Йигит гапини йўқотиб чайналди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чол алла-нарса деб чайналди-да, ҳисобчига бир қараб қўйди.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

3 *кўчма* Гап-сўз бўлмоқ. *Аввало, одамларнинг оғзига тушма, оғизга тушганингдан кейин, сақич бўлиб чайналасан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ЧАЙНАМ (*нумератив сўзлар билан бирга қўлланади*) Оғизда чайнашга лойиқ бирор нарса. *..бир бутун сигир гўштидан бир чайнам ҳам бизга насиб бўлмади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧАЙНАМОҚ 1 Оғиздаги таомни тишлар орасида майдаламоқ, юмшатмоқ. *Аҳмад парвойи палак, оғзини тўлдириб, нон чайнарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Отлар пишқириб туриб, хушбўй ҳўл бедани иштаҳа билан чайнамоқда эдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Тирикчилик учун ишлатмоқ. *[Яхшибоев:] Майда чайнаб есанг, бу пул сенга кўп йилга етади.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 *с. т. айн.* **ғажимоқ 5.** *Машина қўлини чайнаб кетибди.*

4 *кўчма* Бировни ғийбат қилмоқ, ёмонлаб гапирмоқ; койимоқ. *Дадаси билан ойиси ҳамон унинг опоқ дадасини «чайнаётган» эди.* «Ёшлик». *[Ёрқиной] Бир куни тўйга борган эди, хотин-халаж нуқул уни «чайнаб» ўтиришди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

5 *кўчма салб.* Бир гапни ҳадеб қайтаравермоқ; гапни чўзмоқ; ҳал бўлган масалани яна айлантириб муҳокама қилавермоқ. *[Бўтабой] Ўзи ҳам аниқ-равшан бир сўз айтолмай, гапни чайнай бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Чайнаманг шиминг *айн.* **обакидандон.** *[Зумраднинг] Қулоғидаги шиша исирға худди бир парчагина чайнаманг шимингдек йилтил-

лаб турар.. эди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЧАЙНВОРД [*ингл.* chain – занжир, ҳалқа + word – сўз] Занжир шаклида кетма-кет жойлашган катакларни ҳарфлар билан тўлдиришдан иборат бошқотирма тури; бунда қидирилаётган сўзлар қаторидаги аввалги сўзнинг охирги ҳарфи кейин келувчи сўзнинг биринчи харфи бўлиб келиши талаб қилинади.

ЧАЙҚАЛМОҚ 1 Чайқамоқ фл. мажҳ. н. *Чайқалган кирларни ёймоқ.*

2 У ён-бу ён тебранмоқ, лапанглаб ҳаракат қилмоқ. *Юрганда букчайиш, у ёқ-бу ёққа чайқалиш, оёқларни бир-бирига уриб юриш ярамайди.* «Фан ва турмуш». *Чайқалади денгиз беором..* Ғайратий.

3 *кўчма* Тўлқинланмоқ, жунбушга келмоқ, ҳаяжонланмоқ *Ёш қалблар ҳаяжондан тўлқин каби чайқалади.* «Ёшлик». *Юрагида дард тўлқини бирдан кучли чайқалиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Нотинч, безовта бўлмоқ. *Кекса дилингизга тушмасин титроқ, Оталар, чайқалиб турибди олам.* А. Орипов. *[Ҳилол буви:] Нима гап ўзи, нега замон чайқалиб қолди?* Ойбек, Улуғ йўл.

ЧАЙҚАЛТИРМОҚ 1 Чайқалмоқ фл. орт. н. *Тўлқин кемаларни силтаб-силтаб, чайқалтириб ташлаяпти.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 *кўчма* Қўзғатиб юбормоқ; руҳиятда ўзгаришни юзага келтирмоқ. *..ҳали қизалоққа дастлаб кўз ташлаган пайтида вужудида қўзғалган иликлик қалбининг туб-тубида беркиниб ётган бошқа ҳис-туйғуларини ҳам чайқалтириб юборди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ЧАЙҚАМОҚ 1 *айн.* **чаймоқ.** *Кунлардан бирида бир тўда банди хотинлар тоғдан анҳорга кир чайқагани тушишди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 У ён-бу ён тебратмоқ. *Бошини чайқамоқ.* ▬ *Улғай эна афсус билан бош чайқади.* «Шарқ юлдузи».

ЧАЙҚАТМОҚ 1 Чайқамоқ 1 фл. орт. н. *Кирни икки марта чайқатмоқ.*

2 Ҳар ёнга тўлқинлатмоқ, тебратмоқ. *Сувни чайқатмоқ.* ▬ *Шамол ўт-ўланларни чайқатар, ёввойи жийда шохларини буйдаларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧАЙҚОВ Олибсотарлик; олиб-сотиш, олиб-сотув. *Кўса эртасига каллаи саҳарлаб етиб келди. Авжи чайқов вақти экан, бақириқ-чақириқлар қулоқни қоматга келтиради.* «Муштум».

Чайқов бозор(и) Олибсотарлар савдо қиладиган бозор. *[Аҳмаджон] Катта чайқов бозорида юргандай боши ғувуллаб кетди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ЧАЙҚОВЧИ Олибсотарлик билан шуғулланувчи шахс, олибсотар; спекулянт.

ЧАЙҚОВЧИЛИК Чайқов билан шуғулланиш; спекуляция. *Белига ўн-ўн беш рўмолни ўраб олиб.. бемалол чайқовчилик қилиб юрган эмиш.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЧАК [*ф.* چک – томчи] *тақл. с.* Томчининг урилишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Тарнов бўғотларида осилиб турган сумалаклар офтобда йилтилларди-ю, чак этмасди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЧАКАК I *анат.* Пастки жағ. *..раис эса тиши оғриган кишидек, икки кафти билан чакагини ушлаб, асабий ўйлаб ўтирарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Чакаги очилмоқ Тинимсиз гапиравермоқ, эзмаланмоқ. *Ҳожиматнинг чакаги очилиб, гапга тушиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Чакаги очиқ** 1) йиғлоқи (бола ҳақида); 2) сергап, эзма. *-Бунча чакаги очиқ одамсиз.. – деди регистрация қилувчи хотин чолга кўзларини олайтириб.* «Муштум»; 3) тинимсиз овоз чиқарадиган ҳайвонлар (ит, сигир, қўй каби) ҳақида. *..чакаги очиқ итларнинг вовуллаши, отларнинг кишнаши сокин қишлоқни ғала-ғовурга тўлдирди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. **Чакаги тинмайди** 1) кўп бетўхтов гапиради; эзма. *Тарози шайинларини муттасил ликиллатиб турганларнинг чакаги тинмайди.* «Муштум». **Чакаги тушмоқ** Гапира-гапира чарчамоқ; бирор гапни кўп таъкидламоқ. *Бу ҳақда гапираверуб, чакагим тушди.* **Чакак урмоқ** *айн.* **чакаги тушмоқ.** *[Ойшахон:] Ўлар ҳолатга етдим-ку бу қизингизга чакак ураверуб.* А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор. **Чакаги чакагига тегмаслик** 1) тез ва кўп гапирмоқ; эзмаланмоқ; 2) кўп овоз чиқармоқ. *Ора-сира пулемётлар чакаги чакагига тегмаган ғазабли лайчадай акиллаб қўяди.* Ойбек, Қуёш қораймас; 3) кўп, тинимсиз йиғламоқ (бола ҳақида).

ЧАКАК II Оёқ кийимининг юзи билан дастагининг бирлашган ери, ёни. *Қатнай-қатнай кавушимнинг чакаги тушди.*

ЧАКАКЛИ 1 Серйиғи, йиғлоқи. *Чакакли бола***.**

2 Сергап, эзма. *Чакакли хотин.*

3 *кўчма* Ебтўймас, очофат. *-Вой-бўй, — деди чол [Шум болага], — чакаклигина мол кўринасан, қирдаги киши нега сени сўкиб кетаётибди бўлмаса?* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧАКАК-ЧАКАК Ориқ, юз гўштлари кам. *Дадамат аканинг қотма ва абжир гавдасига мос чакак-чакак қорамағиз башараси Аҳмадга кўпроқ ёқарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЧАКАЛАК Шохлари бир-бирига чалкашиб кетган қалин бутазор ёки дарахтзор. *Ҳовли орқасидаги чакалакдан секин-секин ой кўтарила бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир кун чакалакка ўтин кесгани бордик.* «Зумрад ва Қиммат».

Чакалакка қочмоқ (*ёки* **урмоқ)** Ўзини бирор ишдан четга тортмоқ, ўзини қуруққа олиб қочмоқ. *Қодиров салгина шаштидан тушиб, бўшашгандай бўлди: -Нима учун қилғиликни қилиб, чакалакка қочасан?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЧАКАЛАКЗОР Чакалак босган жой; бутазор. *Чакалакзордан бир ҳакка «шақ-шақ»лаб, узун думини чўзганча, нариги соҳилга учиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧАКАМУҒ Ёпишқоқ юмалоқ тиканли, япалоқ баргли ёввойи бир йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг тиканаги. *Калта думига дарҳол аллақаердан чакамуғ ёпштириб олган эшак ютоқиб, ўзини ўтга урди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЧАКАНА [*ф.* چکنه] **1** Доналаб, майдалаб ёки кичик тўп билан сотиладиган ва сотиб олинадиган. *Чакана савдо.* ▬ *Чакана нархларни ўзгартириш мумкинлиги, шубҳасиз, ҳозирги пайтда энг мунозарали масаладир.* Газетадан.

2 Унчалик аҳамиятга эга бўлмаган; арзимас, майда-чуйда. *Хосият холанинг эрлари ҳам чакана пахтакор бўлмаган эканлар.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Гўшт-ёғ ўз қўлингизда. Даромад ҳам чаканамасдир?* С. Анорбоев, Оқсой. *Чакана гапга қулоқ йўқ. Иш кечикади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 *шв.* Майда чорва моллари, қўй-эчки ва аҳолига тегишли шундай молларни боқувчи. *Шу кундан эътиборан аскар чакана чўпон бўлди.. Адирда узун кун чакана мол боқди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЧАКАНАЛАБ *рвш.* Доналаб, майдалаб, чакана. *Чаканалаб олмоқ. Чаканалаб сотмоқ.* ▬ *[Тожибой] Ҳатто қалампирдан тортиб, сақич, куртгача олиб чиқиб қўяр, зориққанларга чаканалаб сотар эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЧАКАНАЧИ Чакана савдо қилувчи, чакана савдо билан шуғулланувчи.

ЧАКАНА-ЧУКАНА *с. т.* Унчалик аҳамиятга эга бўлмаган; арзимаган, майда-чуйда. *Чакана-чукана гап.* ▬ *Ғунажин пулланди. [Нодир] Чакана-чукана қарзлардан қутулди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЧАКАНДА [*ф.* چکنده] Жийдадошлар оиласига мансуб, сариқ нордон майда мевали, сертикан доривор бута ва унинг меваси. *Қаршисидаги шохи синган чакандага тикилиб турган Усмоновнинг фикри тўхтамга келиб, хўрсинди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Чаканда мевасидан фармацевтика саноатида мой олинади.* Газетадан.

ЧАКАС Ов қуши қўндириладиган сим қўндоқ. *Қора йўрға бўлсин барин мингани.. Юзта чакас берсин қушлар қўнгани.* «Бўтакўз».

ЧАКИДА [*ф.* چکیده — томган, томиб турган] *айн.* **қорадори**. *Зокир булбул баъзибаъзида кўкнорининг чакидасидан ичиб юради.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ЧАКИДАХЎР [*ф.* چکیده خور — чакида истеъмол қилувчи] Қорадори истеъмол қилувчи; банги. *Чакидахўр мулла Содиқохун.. тузоқларига тушадиган аҳмоқ тополмасдан, кучала еган итдек тиришиб қолдилар.* «Муштум».

ЧАКИЛЛАМОҚ Чак-чак томмоқ, томиб турмоқ. *Токнинг қайчи теккан танасидан чакиллаб шарбат томди.* «Саодат».

ЧАКИЧ Нонни чакичлаш учун дастали ёғоч каллакка бир текисда сим қоқиб ёки парранда патларини дасталаб боғлаб ясалган уй-рўзғор асбоби. *Сим чакич. Пат чакич.* ▬ *Тандирда ёғлиқ хамир аста вижирлаб, бўртиб, чакич ўринлари дарҳол шаклланди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЧАКИЧЛАМОҚ Нонга чакич урмоқ, чакич босмоқ.

ЧАККА I Бош суягининг ёноқлар билан пешона оралиғидаги ён қисми. *Чакка суяги. Чакка томирлари.* ▬ *Валиеванинг бир ўзи столга тирсагини таяб, икки кафти билан чаккасини қисиб ўтирибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Чаккага тегмоқ Жонга, меъдага тегмоқ, зериктириб юбормоқ; жондан тўйдирмоқ. *Жанжал чаккамга тегди.* ▬ *Қор, ёмғир айниқса Шокир отанинг чаккасига теккан эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАККА II [*ф.* چكّه – томчи; томиш; оқим] **1** Томнинг бирор жойидан сизиб ўтиб, шипдан уйнинг ичига томаётган ёмғир ёки эриган қор томчиси. *Куз келиб, ёғингарчилик бошланди. Томнинг қамиши эскирган бўлса керак, чакка ўтиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 (*фақат бўлишсиз шаклда*) Мутлақо, ҳеч; бир томчи ҳам, бир қатра ҳам. *Бир чакка ҳам ёғ қолмабди. Уйда ичишга чакка сув йўқ.*

ЧАККА III [*ф.* چكّه – томчи; томиш] Сузмага ошкўклар аралаштириб тайёрланадиган парҳез таом. *[Қурбон:] Чеча, чой, овқат керак эмас. Агар чакка бўлса, қудуқ сувидан чалоб қилиб берсангиз.* С. Нуров, Нарвон.

ЧАККАЗАРБ [чакка + зарб] *с. т.* Асабий; жаҳли тез. *Шундоқ дейсиз-у, Зокирим ўқтинўқтин ичадиган одат чиқарди.. Зўрам [келиним Зуҳра] ҳам чакказарброқ бўб қолди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧАККАХОНА [чакка + хона] Ҳамма жойидан чакка ўтиб ётган хона, уй.

ЧАККИ I **1** Ёмон; қониқарсиз. *Бу ерда унинг турмуши чакки бўлмади.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Ғўзаларимиз чакки эмас, – дейди полвон.* А. Қодирий, Обид кетмон. *-Бошоратдан бошқа ҳаммамиз умуман чакки баҳо олмадик, – деди Зайнаб.* «Шарқ юлдузи».

2 Ножўя, ноўрин. *Чакки юрсанг, дакки ерсан.* Мақол. ▬ *-Чакки гап айтган бўлсам, узр, отахон, – йигит хижолатда қолган эди.* «Гулдаста».

3 Бекор, беҳуда. *Асли бугун ҳам чакки овора бўлгансиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *-Бу кишини чакки умидвор қилибсиз, мендан бир оғиз сўрасангиз, ёмон бўлмас эди, – деди киноя билан [директор].* С. Кароматов, Ҳижрон.

Чакки қилмоқ Ёмон иш қилмоқ; хато қилмоқ. *Кекса одамнинг дилини ранжитиб, чакки қилибсан.* Газетадан.

ЧАККИ II *шв. айн.* **чакка** II. *Чакки ўтган эски томга ўхшайман, Кўзимдан ёмғирлар тўкилар тинмай.* М. Юсуф.

ЧАККИ-ЧУККИ с. *т.* Бўлар-бўлмас, чакки, ножўя. *Чакки-чукки гап.* ▬ *Майхонада Аҳмад маст бўп қолган-да, Чакки-чукки Аҳмад кўп гап айтган-да.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧАКМА *айн.* **чатма 1.**

ЧАКМАЗАК [*ф.* چكميزك – сўзак; сийдик тутолмаслик] *тиб.* Сийдик тутолмаслик, сийдик оқиб туриш касаллиги.

ЧАКМОН Одатда жун матодан тикиладиган эркакча узун қишки тўн. *Чойхонанинг бурчагида, куннинг даҳшатли ёнувига қарамай, қалин, қора жун чакмонга ўралган қозоқ деворга суяниб мудрар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАКМОҚ I *с.т.* Чекмоқ. *Папирос чакмоқ. Нос чакмоқ.*

ЧАКМОҚ II: **чакич чакмоқ** *айн.* **чакичламоқ.**

ЧАКСА *эск.* Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги ўлчов бирлиги (асосан, пуднинг 1/3 қисмига тенг бўлган). *Чумчуқ семирса, чакса келмас.* Мақол. *Уйида чакса уни йўқ, Том бошида қўш тандир.* Мақол.

ЧАКЧАК Угра шаклидаги хамирни ёғда қовуриб, устидан асал қуйиб тайёрланадиган ширинлик. *Бундай мўрт хамирдан печенье, чакчак, ўрама каби таомлар тайёрланса, оғизда уқаланиб туради.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ЧАК-ЧАК Чак с. такр. *Чак-чак томмоқ.* ▬ *Гўрўғлибекнинг бурнидан чак-чак қон кетди.* «Гўрўғлининг туғилиши». *У [Ширмонхон] ҳар киприк силкитганида, юзини ювган кўз ёшлари газета юзига чак-чак томарди.* С. Зуннунова, Олов.

Бурнидан (*ёки* **юзидан) чак-чак заҳар томади** Тили жуда ҳам аччиқ, заҳар одам ҳақида.

ЧАЛА 1 Маромига ёки тамомига етказилмаган, битказилмаган, тамомланмаган. *Чала уй. Чала иш. Бола – боланинг иши чала.* Мақол. ▬ *Ҳали яна бир оз яшашдан умидворман, чала ишларим бор.* С. Нуров, Нарвон.

2 Тўлиқ эмас, нотўла, ярим-ёрти. *Камбағалнинг бир түйгани – чала бой бўлгани.* Мақол. ▬ *Чаласига биз қарздор.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Вақтидан олдин, етилмасдан тушган, барвақт туғилган. *Қандли диабет хасталиги кўпинча ҳомиланинг чала ёки мажруҳ туғилишига сабаб бўлади.* «Саодат».

4 *от* Ёниб битмаган ёки куйиб тугамаган ўтин. *Куллар кўкка учар, чўғлар кулга ботар, чалалар чўққа айланар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Уларнинг [одамларнинг] ярим юмуқ кўзлари ўчоқда биқсиб, қизариб ёнаётган чалаларга тикилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *спрт.* Ўзбек курашига оид атама.

6 Қўшма сўзлар таркибига киради, мас. *чалабош, чаласавод.*

ЧАЛАБОШ Сочи чала-чулпа олинган. *Чалабош бола.*

ЧАЛАБУТАЛАР *бот.* Танасининг фақат пастки қисми ёғочланиб, юқори қисми қишда қуриб қоладиган кўп йиллик ўсимликлар. *Чалабуталар кўп йиллик ўтлардан куртак чиқарадиган шохларнинг ер устидан бир неча сантиметр юқорида ўрнашганлиги билан фарқланади.* «ЎзМЭ».

ЧАЛАЖОН Ўлар ҳолатига келган, жони чиқай деб турган, ярим тирик. *Чалажон қилиб урмоқ.* ▬ *Бир бандани чалажон қип қўйиб, қаёққа қочмоқчисан?* «Ёшлик». *Намозшомда чалажон дадамизни аравада эшикка келтиришди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧАЛАКАМ-ЧАТТИ *айн.* **чала-чулпа.** *Чўлнинг чўтир бетида чалакам-чатти ўсган янтоқлар қуриб, сарғайиб ётибди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ЧАЛАМА-ЧАТТИ *айн.* **чала-чулпа.** *Лекин унинг [Аҳмаднинг] чалама-чатти ҳаракатига қайиқ жойидан жилмади ҳам.* Ё. Шукуров, Қайиқ чайқалади.

ЧАЛАМУЛЛА 1 *с.т.* Саводи тўлиқ чиқмаган киши. -*Сиз чаламулласиз, Ғайбаров!* — *деди Ҳайкал Ғаниевич.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

2 *сфт.* Ўз соҳасини яхши эгалламаган, билмайдиган; билимсиз. *[Профессор:] Мурдани кўрса, лабига учуқ тошадиган чаламулла врачларни кўргани кўзим йўқ!* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ЧАЛАСАВОД Тўлиқ саводга эга бўлмаган, чала ўқиган; саводи кам. *Тўғонбек чаласавод бўлса ҳам, илм-фаннинг қадрини яхши билади.* Ойбек, Навоий.

ЧАЛАСАВОДЛИК Саводи тўлиқ бўлмаслик, саводи пастлик. [*Саид:*] *Дадамнинг бундай пастлаб кетишларига.. чаласаводликлари ҳам сабабчи.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЧАЛА-ЧАТТИ *айн.* **чала-чулпа.** *Ҳайтовур, дадам ёшлигида шоҳи тўқишни чалачатти ўрганиб олган экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАЛА-ЧУЛПА 1 Наридан-бери; чала қилинган, маромига етказилмаган. *Мансур эрталаб чала-чулпа нонушта қилиб, Раҳмоннинг ёнига етиб борди.* Ё. Шукуров, Уч савол.

2 Тўлиқ эмас, ярим-ёрти. *Қия очиқ эшикдан ичкаридаги суҳбат қулоғига чала-чулпа эшитилди.* Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

ЧАЛА-ЯРИМ 1 *айн.* **чала-чулпа.** *Чала-ярим иш.*

2 *айн.* **чала-чулпа 2**. *Бувимнинг «оҳ-воҳи» қулоғимга чала-ярим эшитиларди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЧАЛАҚУРСОҚ Ярим оч; тўйиб овқат емаган. *Чалақурсоқ бўлиб қолмоқ.* ▬ *Борни тежаб йўндириб, дам оч, дам чалақурсоқ бўлиб яшадик.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАЛДИВОР *с. т.* Вайрона ҳолга келган ҳовли-жой. *[Аваз] Боғи эрамга пойи пиёда бораётир эди, ногоҳ йўл устида олдидан бир чалдивор чиқиб қолди.* «Балогардон».

ЧАЛИНМОҚ 1 Чалмоқ фл. мажҳ. н. *Карнай халқнинг қадимий чолғуларидан. У асосан тўйларда чалинади.* Газетадан. *Чалинганда қўнғироқ, Синфингда бўл, эй чироқ!* Қ. Муҳаммадий. *Шу онда қаттиқ қарсак чалинди-ю, ҳамма гуруллаб ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Чалмоқ II фл. ўзл. н. *Учинчи минутда Ҳайдар рақибини суриб бораётиб, чалиниб, йиқилиб тушди.* И. Раҳим, Ихлос.

Гапга чалинмоқ Гап-сўз бўлмоқ, оғизга тушмоқ. **Касалга (***ёки* **дардга) чалинмоқ** Бирор касаллик билан оғриб қолмоқ; касал бўлмоқ. *Қанд касалига чалинган одамнинг тишлари мўрт бўлади.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Бу вақт унинг [Умиднинг] дардга чалиниб қолган пайти эди..* Мирмуҳсин, Умид. **Кўзга чалинмоқ** Кўринмоқ; кўзга ташланмоқ. *Бир вақт узоқда — олдинда қорайинқираб саквовулзорми, юлғунзорми, кўзга чалинди.* М. Мансуров, Ёмби. **Қулоққа чалинмоқ** 1) эшитилмоқ. *Тун сукунатида отларнинг дупури қулоққа баралла*

чалинарди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 2) бошқалардан эшитиб, бирор хабар, янгиликдан воқиф бўлмоқ. *[Шофёр:] Қулоғингизга чалингандир — отам ҳаждалар.* «Муштум».

ЧАЛИШМОҚ 1 Чалмоқ I фл. бирг. н. *Чапак чалишди. Овқатга занг чалишди.* ▬ *Созандалар бир тўхтаб, уфор чалишди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Юрганда, қадам ташлаганда бир-бирига урилмоқ, қоқилмоқ, чалкашмоқ (оёқ ҳақида). *Оёқлари тақимигача қорга ботар, баъзан чалишиб кетарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *эск.* Ҳаракат қилмоқ, меҳнат қилмоқ.

4 *кўчма* Сузилиб, юмилиб кетмоқ; юмилиб кетмоқ (кўз ҳақида). *Уста Абдуғафур уйқуси келиб мудраётган одамдек, кўзлари чалишиб, боши қийшая бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Офтобнинг шуъласига қарагандек, Гўрўғлининг икки кўзи чалишиб қолди.* «Гулшанбоғ».

ЧАЛИШОЁҚ Оёқлари бир-бирига урилиб, тегиб юрадиган, оёғи чалишадиган. *Чалишоёқ одам.*

ЧАЛИШТИРМОҚ Оёқларини ёки қўлларини бир-бирининг устига қўймоқ. *Аммо Анвар.. қўлини чалиштириб, хотиржам турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ўрта бўйли официантка деворга суянганича қўлларини чалиштириб, лоқайд бир қиёфада турарди.* М. Хайруллаев, Ғурур.

ЧАЛКАШ 1 Чигаллашиб кетган; айқаш-уйқаш, бетартиб. *Чалкаш ип. Чалкаш ёғочлар.*

2 *кўчма* Англашилиши қийин; чигал. *У [Заргаров] энди қандайдир чалкаш, мавҳум руҳий қийноқлардан қутулгандек. тиниқ ўй сура бошлаган эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *У ўзининг чалкаш қисмати қизининг ҳам бошига тушишини хоҳламади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЧАЛКАШЛИК Ноаниқлик; чигаллик; хато. *Чалкашликка йўл қўймоқ. Чалкашликни бартараф қилмоқ.* ▬ *Фурқатнинг ўз сўзларида ҳам баъзи чалкашликлар бор.* Газетадан.

ЧАЛКАШМОҚ 1 Бетартиб равишда бирбирига ўралмоқ; чигаллашиб кетмоқ. *Чалкашган сим.* ▬ *Чалкашиб ётган наъматак, ёввойи жийдалар ҳиссиётларингизни қитиқлайди.* «Шарқ юлдузи».

2 Тушуниб бўлмайдиган ҳолга келмоқ. *Менимча, болалар бўлимидаги ишлар чалкашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетганга ўхшайди.* «Муштум».

3 *кам қўлл. айн.* **чалишмоқ 2**. *Нима бўлди-ю, Мели полвоннинг оёқлари чалкашиб кетиб, пахта тўлдирилган қопдай лапанглаб йиқилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧАЛКАШТИРМОҚ 1 Чалкашмоқ фл орт. н. *Симларни чалкаштирмоқ.*

2 *кўчма* Чувалаштирмоқ, чигаллаштирмоқ. *Бир-бирини инкор қилувчи гаплар Бобурнинг хаёлларини чалкаштириб юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Адаштирмоқ, янглиштирмоқ. *Нега уни мен билан чалкаштиришади, қани айт-чи, ўхшашлигимиз бўлмаса?* А. Мухтор, Чинор.

4 *кам қўлл. айн.* **чалиштирмоқ.** *Оёқларни чалкаштириб ўтириш японлар учун бетакаллуфлик ҳисобланади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ЧАЛКАШ-ЧУЛКАШ Бош-кети йўқ, жуда чалкаш, чигал. *Чалкаш-чулкаш маълумотлар.*

ЧАЛМА I **1** Қўй-эчки оёғи остида тўпланиб, қатлам ҳосил қилган гўнг. *Абдусамад эрталабдан кун қиёмга етгунча пишиллаб чалма чопди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

2 Мол гўнгидан катта чамбарак қолипга солиб ясалган ёқилғи. *Чалма қуймоқ.* ▬ *Саккиз гектар чиқадиган ўрикзорга қараш, баҳор аёзларида чалма тутатиш Омоннинг бўйнида эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЧАЛМА II *шв. айн.* **салла** I. *[Қори] Чопонининг устидан чакмонини кийди, бошини чалмаси билан танғиди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЧАЛМА III Дўппи, тўн ва ш.к. нинг четига тутиладиган энсиз жияк. *Дўппи чалмаси. Тўн чалмаси.*

ЧАЛМАК *махс.* Чархнинг дук ўрнатиладиган айрисимон қисми.

ЧАЛМАШМОҚ *шв. қ.* **чалишмоқ 2**. *Мирвали тоға.. кетига тисарилиб бораркан, оёғи чалмашиб йиқилди.* «Шарқ юлдузи».

ЧАЛМАҚОВОҚ *бот.* Ошқовоқнинг салласимон бир тури.

ЧАЛМОҚ I **1** Мусиқа асбобида бирор куй, оҳанг ижро этмоқ. *Ноғорачи йигит уста экан! Шундай берилиб, шундай терга ботиб чалдики, осмон пардасини йиртиб юборгудай бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Садо, овоз чиқарадиган, сигнал берадиган асбобларни ишга солмоқ. *Қўнғироқ чалмоқ. Гудок чалмоқ. Ўт ўчириш машинаси устма-уст сигнал чалди.*

3 Бирор аъзо воситасида товуш, садо, овоз чиқармоқ (одам ҳақида). *Шер чапак чаламан деб, қўлидан кўкчани тушириб юборишига сал қолди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Ашур икки бармоғини оғзига тиқиб, ҳуштак чалди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

4 Садо, овоз чиқармоқ (жонсиз нарсалар ҳақида). *Мен борай, куртаклар кутиб қолдилар.. Мен борай, шамоллар ҳуштак чалдилар.* «Ёшлик». *Еллар чалган чапакдан Новдалар ухлар қониб.* «Ёшлик».

Чапак чалиб қолмоқ *қ.* **чапак. Қорни ноғора чаляпти** *ҳазил* Қорни оч киши ҳақида. *Пулим йўқ, қорним ноғора чаляпти, дейдиганларга гоҳ бир сўм-ярим сўм чойчақа ташлаб ўтишади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ЧАЛМОҚ II **1** Бировнинг оёғини ўз оёғи билан илиб, тепиб, уни йиқитмоқ ёки гандираклатмоқ. *Зарина эпчиллик билан Сипарангизни чалиб, уни йиқитиб юборди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *кўчма* Халал бермоқ; зарар етказмоқ. *Биламан, бари ишни ўша қиляпти, менга ўчакишган, қадамда чалмоқчи бўлади.* «Ёшлик».

3 *шв.* Кесмоқ, қирқмоқ, йиқмоқ. *Қирқ жаллод ҳунарини бошлади, Ким кўндаланг бўлса, чалиб ташлади.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Индамай ўроқ чалавердим.* «Ёшлик».

Гап билан чалмоқ Гап билан узиб олмоқ. *Пайти келганда, Микола илмоқдор қилиб, гап билан чалиб ташлар эди.* С. Анорбоев, Дўстлар. **Жин** (*ёки* **ажина, арвоҳ, дев) чалди** *с.т.* Асаб касаллиги туфайли оғзи, юзи қийшайиб қолган, дардга чалинган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *Ажиналар тепага яқинлашган одамни чалиб, кўзини ғилай, оғзини қийшиқ, оёғини шол қилиб ташлаган эмиш.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Касал** (*ёки* **дард) чалди** Касалга йўлиқди, касал бўлди. *Ўзи ўлимдан қолди, худо раҳм қилди. Мана энди қизини дард чалди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

ЧАЛМОҚ III **1** *шв.* Ўрамоқ, боғламоқ; тақмоқ. *Ўнг қўлини тўлғаб олиб, Бошга рўмолини чалиб..* «Нурали». *[Авазхон:] Майдон куни бедовимни елайин, Олмос, пўлат қайраб, белга чалайин.* «Гулшанбоғ». *Гўрўғли шамширин белига чалди.* «Гулшанбоғ».

2 *шв.* Қопламоқ, ўрамоқ. *Ҳут кирганда, тоғни туман чалади.* «Гулшанбоғ».

3 Қормоқ, аралаштирмоқ. *Тухум чалмоқ.* ▬ *Жаннат хола шошиб, ун чалиб, қуймоқ қилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Наридан-бери; чала-чулпа супурмоқ. *У уйни супурги билан чалиб чиқди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЧАЛОБ *шв.* Сузма ёки қатиқдан тайёрланган чанқовбосди ичимлик. ▬ *-Ўтиринг, чалоб ичасизми? — деди Инод.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Тайёр чалоб истеъмолдан олдин совитилади ёки муз солинади.* «ЎзМЭ». *Шаймон чол эндигина сомондан қайтиб, айвонда чалоб ичиб ўтирарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЧАЛОВ Ғалладошларга мансуб, қирадирларда ўсадиган, ем-хашак бўладиган кўп йиллик ёввойи ўсимлик. *Сарҳовуз бетини чалов босган.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЧАЛП *тақл. с.* Овқат чайнаганда, лой кечганда чиқадиган ва ш.к. товушлар ҳақида. *Чалп этиб лойга тушмоқ.*

ЧАЛПАК 1 *шв.* Хамирни юпқа ёйиб, ёғда пишириладиган егулик. *-Эсимдан чиқибди, — дейди кампир. — Майлига, мен ўзим ўнта чалпак пишириб, чироқ ёқаман.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

2 Ўрик, олча ва ш.к. ҳўл мевалар шиннисидан ёйиб қуритилган ширинлик.

Чалпак бўлмоқ *ёки* **чалпак(дек) бўлиб тушмоқ** Йиқилиб узала тушмоқ, чалқанчасига йиқилмоқ:; чалқанча ётмоқ. *Жим бўл-э, бир урса, чалпак бўлиб тушасан-у, кекирдак чўзишингни қара!* З. Фатхуллин, Обиҳаёт. *Юзларини офтобдан яшириб, чалпак бўлиб ётиб қолдилар.* М. Мансуров, Ёмби. **Чалпак қилмоқ** Иккала қўл ва оёғидан ушлаб чўзилтириб кўтармоқ. *Тез юр! Ғиринг десанг, чалпак қиламиз.* Ойбек, Болалик.

ЧАЛПИМОҚ Бировни ёмонлаб гапирмоқ, ғийбат қилмоқ. *Айниқса, фронтовикнинг хотинини чалпишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *У ҳар куни самоварга чиқиб.. ҳадеб янги раисни чалпийди.* С. Аҳмад, Ҳодивой. *[Шакар] Аламига чидолмай, Зеби бечорани куракда турмайдиган сўзлар билан чалпиди-ю, жўнаб қолди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЧАЛП-ЧАЛП **Чалп** с. такр. *..лабини чалп-чалп қилиб ялаб қўйди Мулла Мамасолиҳ.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

ЧАЛП-ЧУЛП *айн.* **чалп-чалп**. *Чалп-чулп лой кечмоқ.*

ЧАЛЧАЙМОҚ Ялпайиб ётмоқ. *Бировнинг олдида узала тушиб, чалчайиб ётиш шармандалик-да!* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ЧАЛЧИҚ Балчиқ; ифлос, лойқа сув. *Чалчиқ ерда туя юрса тояди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧАЛҚА: чалқа тушмоқ Орқани ерга бериб, чўзилиб ётмоқ, чалқанча тушиб ётмоқ. *Ўлик солдат чалқа тушиб ётибди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЧАЛҚАЙМОҚ *шв.* Орқага эгилмоқ; бошни орқага ташламоқ. *Бизни кўрди-ю, тоға қўлларига суяниб чалқайди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЧАЛҚАМЧА *с. т.* Чалқанча(сига). *Турсунбой қовжираб қолган ариққа чалқамча ётиб, осмонга тикилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЧАЛҚАНЧА(СИГА) *рвш.* Орқани ерга бериб, чўзилиб, осмонга қараб. *Бобом кўлмакда чалқанча ётар, инграр эди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *У чалқанчасига сузди.* «Ёшлик».

ЧАЛҚИМОҚ *шв.* Чайқалмоқ, тебранмоқ. *Сув келар тўлиб, чалқиб, Бетида ойи балқиб.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ЧАЛҒИ Узун дастали катта ўроқ. *Чол пичан ғарами олдида чалғи чархлар эди.* «Шарқ юлдузи».

ЧАЛҒИМОҚ Бирор нарсага алаҳсиб, асосий иш, мавзу ва ш.к. ни унутмоқ ёки улардан четга чиқмоқ; адашмоқ. *Олтмишинчи йилнинг кузида чет элда юрганида, недир бир қизиқ томошага чалғиб, самолётга кечикди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Йўқ, бекачим.. Мен шунчаки чалғидим гапдан.* А. Орипов.

ЧАЛҒИТ Ола-була (от туси ҳақида).

ЧАЛҒИТМОҚ 1 Чалғимоқ фл. орт. н. *[Аҳмад] Иш ҳақида ўйламаслик учун ўзини бошқа нарсаларга чалғитишга уриниб кўрди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Эътиборини бошқа нарсага тортиб алдамоқ; нотўғри фикр пайдо қилмоқ. *Бундайлар унча-мунча терговчини чалғитиши, унча-мунча юристни ҳуқуқ бобида мот қилиб қўйишлари ҳам мумкин.* «Ёшлик».

Гапни чалғитмоқ Суҳбат мавзусини четга бурмоқ. *Аҳмад бригадир гапни атайлаб чалғитаётганини Нусратбек сезди.* С. Нуров, Нарвон.

ЧАЛҒИЧИ Чалғи билан ўт ўрувчи; ўроқчи.

ЧАМА 1 Ўлчов, меъёр. *Ҳар бир ишнинг чамаси бор, Ҳар дарёнинг кемаси бор.* Мақол.

2 Мўлжал, тахмин. *Чамамда соат уч бўлди. Чамангда шу қовун неча кило келади?* ▬ *Уларнинг [одамларнинг] чамаларича, бу ерларда иш ҳали уч-тўрт кунга етиб ортарди.* «Шарқ юлдузи».

3 *мод. с.* Менинг фикримча: шекилли. *Чамамда, қиз ўша томонга бурилиб ўтиришни истарди.* «Ёшлик». *Лайло менинг келишимдан ҳайрон бўлди чамамда.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

Чама сон *тлш.* Чама, тахмин билдирувчи сон. *Чама сон билан аниқлаш эса илмий информациянинг характерига умуман мос келмайди.* «ЎТА». **Чамага келтирмоқ** *ёки* **чама олмоқ** Пайт пойлаб туриб амалга оширмоқ, қилмоқ. *Али полвон билан бел олишдим! Хумпар курашнинг ҳадисини хўп олган экан. Мени бир неча вақт айлантириб юрди, сўнгра чамага келтириб, ёнбошига олмоқчи ва ерга урмоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧАМАДОН [*ф.* جامه‌دان < جامه – кийим + دان – идиш маъносини билдирувчи қўшимча: кийимдон, кийим қутиси] Одатда сафарга чиққанда керак бўладиган буюмлар солинадиган қути. *Латофат эрталаб шошиб қолмаслик учун кийим-кечакларини, харид қилган совғаларини чамадонига жойлаштира бошлади.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЧАМАЛАМОҚ 1 Чама билан аниқламоқ, чама қилмоқ, мўлжалламоқ; тахминлаб кўрмоқ. *У қайиққача бўлган масофани чамалаб, икки юз қулочдан кам эмаслигига кўзи етди.* «Ёшлик». *Даллол қувониб, эшагига минди-да, соясига қараб, вақтни чамалади.* «Ёшлик».

2 Ўйлаб, мўлжал қилиб, режалаштириб қўймоқ, белгилаб олмоқ, кўзламоқ. *[Олахўжа] Тўйга катта тайёргарлик кўрди.. Камида икки кун юртга ош тортишни чамалади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мияда бир нарсани чамалаб юрган эдим, шуни қоғозга туширишга жазм қилдим.* «Муштум».

ЧАМАЛИ Чамасидаги, чамасида бўлган. *Зайнаб Кумушнинг тўлиб етмаган гавдаси ва ўн олти ёшлар чамали, ғубор тегмаган*

ҳуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАМАН [*ф.* چمن — ўтлоқ; гулзор; сайилгоҳ] Гул кўп жой; гулзор, чаманзор, гулшан. *Булбул чаманин севар, одам — ватанин.* Мақол. ▬ *Куз шамоли кириб чаманга, Ахтаради гуллар атрини..* Уйғун.

Чаман бўлиб очилмоқ Қийғос очилмоқ (гул ҳақида). *Митти чигит уруғи ер бағрида ниш уриб, чаман бўлиб очилгунга қадар қанчадан-қанча меҳнат ва ҳаракатни тақозо этади.* Газетадан.

ЧАМАНДАГУЛ Тўпгул бўлиб очиладиган, гуллари оқ, қизил, пушти, сариқ, бинафшаранг ўтсимон ўсимлик. *Чамандагул хонадонларда, кўп қаватли уйлар балконида, парк ва хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.* «ЎзМЭ».

Чамандагул дўппи Дўппининг сергул қилиб, гулзорга, чамандагулга ўхшатиб тикилган нусхаси. *Сочимни иккита қилиб ўриб, чамандагул дўппимни бошимга илдим.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧАМАНЗОР [*ф.* چمنزار — гулзор; кўкаламзор] Гулзор, гулхона; гулшан. *Тонгда кирдим чаманзоримга, Барглар билан ел ўйнар майин.* Миртемир..

ЧАМАСИ 1 *рвш.* Тахминан шу миқдорга тенг. *Орадан ярим соат чамаси вақт ўтган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Зайнаб эгачиси Хушрўйдан етти ёш чамаси кичик эди.* А. Қодирий Ўтган кунлар. *Танк мендан уч-тўрт юз метр чамаси нарида аланга олди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *мод. с.* Афтидан. *Чамаси, Азизбек осонлик билан жон берадиган кўринмайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАМАСИДА *рвш. қ.* **чамаси 1.** *Эркак қирқ ёшлар чамасида, оқ-сариқдан келган, хомсемиз одам эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЧАМАСИДАГИ *қ.* **чамаси 1.** *Машинадан эллик ёшлар чамасидаги чуваккина малла бир одам тушиб келди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ЧАМБАР [*ф.* چنبر — доира, ҳалқа; ўмров суяги] Ғилдирак, доира шаклидаги нарса, доира. *Руль чамбари.* ▬ *Даштда буғдой ўради Сочи чамбар қизлар-эй.* «Шарқ юлдузи».

ЧАМБАРАК [*ф.* چنبرک — айланма, ҳалқа; кампирак (самоварда)] **1** *от* Коса, товоқ ва ш.к. га нарса солиб осиб қўйиш учун симдан, новдадан ва эгилувчан материаллардан ясалган ҳалқа. *Кечқурун соғилган сутни докада сузиб олинади ва махсус сопол идишга қуйиб, чамбаракка осиб, салқин жойга олиб.. қўйилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *сфт.* Ғилдирак, доира шаклидаги; доиравий. *Чойхоначи.. кўкқарға шойи чорсини чамбарак қилиб танғиган Зулун Чайирга им қоқди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

Дўпписи чамбарак *айн.* **дўпписи яримта** *қ.* **дўппи.** *Паноҳингизда дўппини чамбарак қилиб юрибмиз, хўжайин, сизга ҳар қанча одамгарчилик қилсак арзийди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ЧАМБАРЛАМОҚ Чамбарчас қилиб, ўраб-чирмаб боғламоқ. *Сигирнинг арқонини қозиққа чамбарлаб қўйдим.*

ЧАМБАРЧАС [*ф.* چنبرچسپ — чамбар бўлиб ёпишган, бириккан] **1** *рвш.* Ечилиб кетмайдиган қилиб, чирмаб, мустаҳкамлаб. *Абдибилолни йиқитиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган арқон билан қўл-оёғини чамбарчас боғлаб ташлашди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 *кўчма* Узвий, мустаҳкам, жипс (алоқа, боғланиш ҳақида). *Туғилажак боланинг соғлиги ҳомиладор аёл саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ.* «Саодат».

ЧАН [*р.* чан < *қад.р.* дишчани — ёғоч, тахтадан қилинган] Суюқлик сақланадиган, темир белбоғлар билан маҳкамланган катта ёғоч идиш; ём. *Вино солинадиган чан. Тери ишланадиган чан.*

ЧАНА [*қад. р.* сани — илон; жағ] Қишда қор, муз қоплаган йўлда сирпаниб юрадиган чанғили аравача. *Чанада учмоқ. Чана спорти.* ▬ *..девор тагидаги тепаликда болакайлар чанада учишарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЧАНГ I **1** Майда зарра, кукун ҳолидаги тупроқ ёки бошқа моддалар; гард, тўзон. *Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас.* Мақол. *Подадан олдин чанг чиқарма.* Мақол. ▬ *Шоён меҳнатингнинг нишонаси бу — Қора қошларингга қўнган чанг, ғубор.* А. Орипов. *Тўхта хола.. юз-кўзига кўча чанги ёпишаётганини ҳам пайқамас эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Чанг босмоқ Қалин чанг билан қопланмоқ (узоқ вақт ишлатилмай ётган нарса ҳақида). *Телвизор, приёмникни чанг босиб*

ётарди. Т. Ашуров, Оқ от. **Чанг кўтармоқ (***ёки* **чиқармоқ)** Бекорга ғалва ёки шов-шув кўтармоқ. **Чанг қўндирмаслик (***ёки* **юқтирмаслик)** 1) гард, доғ тегизмаслик, озода тутиш. *У кийимига чанг қўндирмайди;* 2) *кўчма* ўзига, номига доғ туширмаслик, гап тегизмаслик. *Ҳакимбойвачча илондай тўлғанди.. у ўзининг ва оила аъзоларининг устига чанг қўндиришни истамас, оиласи билан ҳеч қандай оилани тенглаштирмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Чангини чиқармоқ** *с.т.* 1) тез тамом қилмоқ; пок-покиза туширмоқ, еб юбормоқ, еб ташламоқ. *Боқижан бутун гавдаси билан лаганга ташланди. Ота ва ўғил, гўё баҳслашгандай, паловнинг чангини чиқаришди.* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) тўзитиб юбормоқ, дабдала қилиб ташламоқ. **Ҳасратидан чанг чиқади** Ҳасрати кўп, ҳасрати сира тугамайди. *Махсум.. Қўчқорнинг мусулмони комил бандаларга кўп озор бераётганини гапириб, ҳасратидан чанг чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *сфт.* Чанг қўнган; ғуборли. [*Заргаров*] *Хона ўртасида сал букчайганича туриб, чанг этиги билан оғир одимлаб чиқиб кетган қурувчининг бесўнақай гавдасини ҳорғин.. кузатиб қолди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Арава чанг қишлоқ йўлидан чиқиб, катта тош йўлга тушиб олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *бот.* Ўсимликларнинг эркак жинсий ҳужайралари. *Ашир Ҳаққулов заргарларга хос диққат билан бир гулнинг чангини мўйчинак билан олиб, иккинчи бир гулни чанглаётган экан.* С. Нуров, Нарвон.

ЧАНГ II [*ф.* چنگ – торли мусиқа асбоби] **1** Қутисимон трапеция ёки ёй шаклидаги, сим торлар тортилган, тирнама ёки қўш чўп билан уриб чалинадиган жаранг-дор чолғу асбоби.. *Чанг – ўзбек халқ чолғу асбоблари орасида энг кўп торлиси ҳисобланади.* Газетадан.

2 Лабга қўйиб, пўлат тилини бармоқ билан туртиб, нафас билан чалинадиган кичик чолғу асбоби; чанговуз.

3 *с. т. айн.* **зил** III.

ЧАНГ III [*ф.* چنگ – панжа, тирноқ; чангал; бармоқлар букилган кафт] Панжа; чангал. *Қочиб қутулган-ман (қутулган билан) қайда борасан, Ахири чангимда сен ҳам ўласан.* «Маликаи айёр»

Чанг солмоқ 1) чангал билан ушламоқ, тутмоқ; чангал солиб ҳужум қилмоқ. *-Бошаранг қурсин! – Саида бирдан юзимга чанг солди.* «Ёшлик»; 2) *кўчма* тажовуз қилмоқ, қасд қилмоқ. *Билмайман, қайси кун, қайси дамдадир Менинг қисматимга чанг солди сайёд.* А. Орипов.

ЧАНГАК [*ф.* چنگک – илмоқ, илгак] **1** Бирор нарса илиш учун ёғоч, темир ва ш.к. дан ясалган панжали илмоқ; илгак. *Чангакда осилиб турган челакдан бир чўмич сув олиб ичди.* «Ёшлик». [*Қассоб*] *Чангакдаги гўштларию ғаладондаги пулларини ёнидаги чойхоначига тайинлаб кетибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи

Чангак бўлмоқ Тиришиб, томирлари тортишиб қолмоқ, акашак бўлмоқ. *Йигитнинг қўл-оёқлари чангак бўлиб қотиб қолганди.* «Ёшлик».

ЧАНГАЛ I [*ф.* چنگل / چنگال – панжа, тирноқлар; илгак; паншаха] **1** Панжа, чанг. *Бургут чангали. Айиқ чангали.* ▬ *Бирдан Пошша хола чангалини ёзиб, Йигиталига қаради.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 *кўчма* Исканжа. *У дадасини ҳеч қачон бунчалик ғам ва изтироб чангалида кўрмаган эди.* «Шарқ юлдузи».

3 Сиқимга сиғарли нарса, бир сиқим. *Ёғочга қистириб қўйилган исириқдан бир чангал солиб чиқди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

Пул бўлса, чангалда шўрва *қ.* **шўрва**. **Чангал солмоқ** 1) *айн.* **чанг солмоқ 1**. *Лекин Тўравой [душман ўқига] бургутдек чап берди ва бир сакраб, унинг бўғзига чангал солди.* Н. Сафаров, Оловли излар; 2) *айн.* **чанг солмоқ 2.** *Ҳа, лейтенант, уруш ҳамманинг бахтига чангал солди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. **Ўлим чангали** Ўлим хавфи, ўлим исканжаси. *Мени ўлим чангалидан суғуриб олган офицернинг ким эканлигини сўраб билиб олмаганлигим учун ўзимни кечира олмайман.* Н. Сафаров, Оловли излар

ЧАНГАЛ II [*ф.* جنگل – ўрмон, дарахтзор] **1** Тиканли буталар, ўсимликлар. *Янтоқ ёғ ўрнини босмас, Чангал – боғ.* Мақол. ▬ *Улар чапга бурилиб, ўт босган катта ариқдан йигирма-ўттиз қадам юргач, тўп-тўп чангал бошланди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 *айн.* **чангалзор.** *[Йўлбарс] Мангу қочар, қочар тоғлардан, Ўрмонлардан, чангал, тўқайдан.* Ш. Раҳмон.

ЧАНГАЛЗОР [*ф.* جنگلزار – дарахтлар кўп жой] Чангал қоплаган майдон, бутазор. *Бир куни тулкибой чангалзорда овқат қидириб юриб, бир ангишвона топиб олибди.* «Эртаклар».

ЧАНГАЛЛАМОҚ 1 Беш панжа билан, тирноқларни ишга солиб, сиқиб ушламоқ, қўл билан маҳкам сиқимламоқ. *Бургут қушни чангаллади.* ▬ *Бу мунг шу қадар оғир эдики, Мирвали икки панжаси билан кўкрагини чангаллаб туриб, бир оҳ урди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Йигиталининг оёғидан куч кетди. Лекин билак томирлари бўртиб, сим арқонни маҳкам чангаллаб олди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 *кўчма* Кучли хуруж билан тутмоқ, сиқмоқ (дард, оғриқ ҳақида). *Азимий шу хилда «ватанпарварлик» қилиб ўтириб, бирдан қорни чангаллаб оғриб қолди.* «Муштум».

Ер чангалламоқ Парчин бўлиб йиқилмоқ, ер тишлаб қолмоқ. *[Султонов] Ичичидан хўрлиги келиб, ер чангаллаб қолди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧАНГДОН *бот.* Гулнинг чанг, яъни эркак жинсий ҳужайралари пайдо бўладиган тепа қисми; чангчининг асосий қисми.

ЧАНГИМОҚ 1 Чанг, тўзон ҳолида кўтарилмоқ. *Кўча чангиб кетди.* ▬ *Бир қиёмат-қойим бўлди, Ҳамма ёқда тупроқ чангиб.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Чанг босмоқ, чангга тўлмоқ. *Азимжон.. чангиб кетган этиги, уст-бошига ўнғайсизланиб қаради.* А. Мухтор, Чинор.

ЧАНГИТИШ 1 Чангитмоқ фл. ҳар. н. *Бу тирранчаларни ўқитиб мулла қилмасангиз, кўча чангитишдан бошқани билмай қола беради.* П. Турсун, Ўқитувчи

2 *қ.х.* Зарарли ҳашаротларни йўқотиш мақсадида ўсимликларга ёки тупроққа чангиткичлар ёрдамида кукунсимон заҳарли моддаларни сепиш.

ЧАНГИТКИЧ *қ.х.* Дала экинлари, боғ, токзорларда дефолиация қилиш ва чангсимон моддалар сепиш учун мўлжалланган, тракторга ўрнатиб ёки елкага осиб ишлатиладиган машина. *Чангиткичнинг иш органлари тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракатланади.* «ЎзМЭ».

ЧАНГИТМОҚ Чангимоқ фл. орт. н. *Чангитиб уй супурмоқ.* ▬ *Аравакаш чангитиб ер тепинди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Машина тупроқли йўлни чангитиб, илгари кетди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

Чангитиб сўкмоқ *дағл.* Болохонадор қилиб сўкмоқ, қаттиқ ҳақорат қилмоқ. *Саттор аввал хотинининг авлодини чангитиб сўкди, кейин.. қайнонасининг гўрига ҳам ғишт қалаб, ўрнидан туриб кетди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ЧАНГЛАГИЧ 1 *бот.* Ўсимликларнинг четдан чангланишига ёрдам берувчи воситалар (ҳашаротлар, шамол ва ш.к. ҳақида).

2 *айн.* **чангиткич.**

ЧАНГЛАМОҚ 1 *айн.* **чангитиш 2.** *Ғўза битларини йўқ қилишда баъзан қуруқ дорини чанглаш усули қўлланади.*

2 Гулларнинг эркак ва урғочи жинсий ҳужайраларини биридан иккинчисига ўтказмоқ. *Асаларилар гулдан гулга қўниш билан ўсимликларни четдан чанглайдилар.* «Зоология».

ЧАНГЛАНИШ Ўсимликларда: чангларнинг уруғчи тумшуқчасига ёки уруғ курткка тушиши. *Четдан чангланишда бир гулнинг чангдонидаги чанглар иккинчи гул уруғчиси тумшуқчасига, ўзидан чангланишда чанглар шу гул уруғчиси тумшуқчасига тушади.* «ЎзМЭ».

ЧАНГЛАНМОҚ 1 Чангламоқ фл. мажҳ. н. *Чангланган ғўзалар.*

2 Чангламоқ 2 фл. ўзл. н. *Ўсимликларнинг табиий ва сунъий йўллар билан чангланиши.*

ЧАНГЛОВЧИ 1 Чангламоқ фл. сфдш.

2 *айн.* **чанглагич 1**.

ЧАНГОВУЗ *шв. айн.* **чанг** II **2**. *Нуқра тилли чанговузни Бол оғзингга тутиб юр.* «Қўшиқлар».

ЧАНГСИМОН Чанг-тўзонга ўхшаш, чанг ҳолидаги. *Ушалган ой далани совуқ, хира, қандайдир чангсимон нур билан қоплаган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЧАНГ-ТУПРОҚ Тупроқ аралаш чанг, чанг ва тупроқ. [*Қурбон*] *Болалигида пода орқасидан юриб, чанг-тупроққа беланиб, супада тошдек қотиб ухларди.* С. Нуров, Нарвон.

Чанг-тупроқ яламоқ Чанг-тупроққа ботиб ишламоқ, меҳнат қилмоқ. *Йўлчи ёзда ёниб, чанг-тупроқ ялаб, бутун оғирликларга қарамасдан, жонкашлик билан ишлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАНГ-ТЎЗОН Чанг ва тўзон, шамол аралаш кўтарилган ҳар хил гард ва зарра-

лар. *Кечга томон бир зумда чанг-тўзон, қуюн кўтарилди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги

ЧАНГЧИ I Чанг чалувчи созанда. *Уста Рўзиматхон моҳир чангчи ҳам эди.* «Гулистон».

ЧАНГЧИ II *бот.* Ўсимлик гулининг чангдон ва эркак жинсий ипдан иборат асосий қисми. *Чангчининг яшаш хусусияти ҳар хил ўсимлик турларида турлича.* «ЎзМЭ».

ЧАНГ-ЧУНГ Ҳар хил чанг, тупроқ, гард. *[Мастон] Уст-боши чанг-чунг.. кўзлари ҳорғин.* О. Ёқубов, Излайман.

ЧАНГ-ҒУБОР Чанг ва ғубор, чанг ва тўзон. *Чанг-ғуборда одам кўрмай бир-бирин, Тоғнинг ичи ётар дуд бўлиб тутаб.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ЧАНДИМОҚ 1 Маҳкам сириб боғламоқ, сириб қўймоқ. *Бузоқни олмага қапиштириб, чандиб боғладим.* «Ёшлик».

2 *шв.* Чатмоқ, чатиб уламоқ, бириктирмоқ. *Уларнинг ишораси билан икки сарбоз оғзи каноп билан чандилган қопни олиб келиб, халиги кишиларнинг оёғи остига ташлади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

3 Кимса тўғрисида гапирмоқ, ғийбат қилмоқ. *Сидиқжон бу одамлар иш вақтида ҳам шундай беғам, хушчақчақ, бир-бирини чандиб, кунни билинтирмасдан ўтказади, деб ўйлаган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Бир-бирини гап билан олмоқ, аския қилмоқ. *-Кечқурун.. чойхонада яна гурунгимиз чўзилди.. Биттаси Йўлдошжоннинг ялқовлигини чандиб, аския бошласа, иккинчиси Зулфиянинг чечанлигини мақтайди, — деди Пўлат.* Ғайратий, Менинг ёшлигим.

ЧАНДИР 1 Гўштнинг қаттиқ пай қисми. *Гўшт ўрнида чандир чайнашга кимнинг тоқати бор дейсиз.* Газетадан.

2 *кўчма* Қотма, пишиқ, чайир. *Чандир одам.* ▬ *Бир-икки чайқалиб, гул пайкали устига узаласига йиқилиб тушди. Чандир қўллари тупроқни чангаллади.* «Муштум».

ЧАНДИШ 1 Чандимоқ фл. ҳар. н. *Арқон билан чандиш.*

2 Бир-бирини ran билан олиш, аскиянинг бир тури. *Чиндан ҳам чандишларда ҳазил элементи бор.* «ЎТА».

ЧАНДИҚ 1 *от* Битган яранинг ўрни, изи. *[Ошнонинг] Ранги баттар захил тортибди, ёноғидаги чандиқ билинмай кетибди — устидан чуқур бир ажин тушибди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *сфт.* Чандиқли, чандиғи бор. *Қаландар чандиқ пешонасини силаб, унга бир зум тикилиб қолди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

ЧАНДИҚЛИ Чандиғи бўлган, чандиғи бор. *Темиртош чап юзи чандиқли, бир кўзи кўр, бадқовоқ, камгап бир аскар ҳамроҳлигида йўлга чиқди.* М. Осим, Ўтрор.

ЧАНДОЗА *шв.* Ёнга боғлаб олиб юриладиган ҳамён. *[Болта аравакашнинг] Ёнида катта пичоқ, танга, қоғоз соладиган.. чандоза* К. Яшин, Ҳамза.

ЧАНДОН [*ф.* چندان — шунча, шунчалик; қанчалик] *рвш.* **1** Марта, карра, мартаба. *Бу уй «Тешикқалъа»дан ўн чандон яхши.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳаваси минг чандон ошиб кетди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 *рвш.* Ҳар қанча, қанчалик. *Мирзаев рақибининг оёғини ердан узишга чандон интилса ҳам, Ражаб солдатча чапдастлик қилди ва уни азот кўтариб қўйди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Бечора камтарлик қилишга, босиғу бамаъни гапиришга чандон уринди ҳамки, асло эплай олмади..* М. М. Дўст, Лолазор.

3 Астойдил; етарли даражада. *Ойим совчиликка чандон киришганини билдим. Кечаси нон ёпди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Санъаткор Солиҳбой ролининг текстини чандон ўқиб, уни ёдлаб олган бўлса ҳам, қаноат ҳосил қилмади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

4 Бўлишсизлик шаклидаги феъл билан келиб, «ҳеч ҳам, асло» деган маъноларни ифодалайди. *Азиза онасидан Ёдгорнинг «бир қошиқ сув билан ютгулик» қизни етаклаб юрганини эшитганда, чандон ишонмаган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЧАНОҚ 1 Кўсакнинг ҳар бир хонаси. *Ғўзалар бўлиқ, ҳар битта чаноқ пиёладек бўлиб очилиб турибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Бош косаси, кўз косаси ва умуман косачасимон суяклар. *Чаноқ суяги.* ▬ *У [Баширжон].. эшигига калла чаноғи ҳамда илик суяги туширилган темир уйча панасига ўтди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Унинг [Аҳмадохуннинг] кўз соққалари чаноғидан чиқаёзганди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Тегирмоннинг дўлидан дон тушиб турадиган тарновсимон қисми.

4 *шв.* Чиғаноқ.

ЧАНҚАМОҚ 1 Сувга ташна бўлмоқ, сувсамоқ. *Йигит ғоят чанқаган эди, чойни қу-*

йиб, пуфлаб-пуфлаб ичди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Эҳтиёж, талаб сезмоқ; соғинмоқ, қўмсамоқ. *Чанқаб кутдим сени ёр, бир илтифотинг кўрмадим.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Ўзи ҳам дейман, Мирҳосил халқ ишига роса чанқаган экан-да!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЧАНҚАТМОҚ 1 Чанқамоқ 1 фл. орт. н. *Қаймоқ зўрлик қилиб, ўлгудай чанқатди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 *қ. х.* Сувга ташна қилиб қўймоқ; сувсиратиб қўймоқ. *Ғўзани чанқатиб суғормоқ. Чанқатиб қўйилган ғўза гулларини тўкиб юборади.*

ЧАНҚОВ 1 Чанқамоқ фл. ҳар. н.

2 Сувга ташналик, сувсаш. *Чанқовни босишга айниқса кўк чой яхши.* Газетадан.

3 *кўчма* Ўта даражада хоҳлаш, ташналик. *-Ишга чанқовмиз-да, — деб жавоб берди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАНҚОВБОСДИ Чанқовни босувчи. *Чанқовбосди ичимликлар.* ▬ *Чанқовбосди қовунларни эса овқатдан кейин сўямиз.* М. Мансуров, Ёмби. *Пештахтадаги чанқовбосди ичимликлар ва шарбатлар ассортименти қашшоқ.* Газетадан.

ЧАНҚОҚ 1 Сувга ташна, сувталаб, сувсаган; сувсираган. *Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқдир.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Зор, ташна, муштоқ, интизор. *Қайдадир айтгандим, айтаман такрор: Чанқоқ туғилганман ҳақиқатга мен.* А. Мухтор. *Ёш, ишга чанқоқ ходим учун эрталабдан кечгача бекор ўтиришдан оғирроқ, азоблироқ нарса йўқ.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЧАНҚОҚЛИК Сувга ташналик; сувсираш. *Айрим ҳолларда чанқоқлик тепадан бетиним тушиб турган бомбалар ва снаряддардан кўра кўпроқ тинкани қуритиб, жангчиларни ҳолдан тойдириб юборарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЧАНҒАРОҚ Ўтовнинг устки қисмидаги туйнук чамбараги. *Ўтов чанғароғидан дастурхонга тафтли нур тушди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Чангароғи тушди (*ёки* **ўйнади**) Инқирозга учради, синди.

ЧАНҒИ Қорли жойлар, ботқоқ ерлар ва сув юзида таянч майдонни кенгайтириб, силжишни осонлаштирувчи, оёқларга маҳкамланувчи мослама. *Сув чанғиси. Туристлар чанғиси.* ▬ *Ҳозир чанғиларнинг одимловчи ва сирғалувчи турлари мавжуд.* «ЎзМЭ».

Чанғи спорти Сакраш, турли масофага югуриш, тоғ чанғиси ва биатлонни ўз ичига олган спорт тури. *1910 йилди Халқаро чанғи спорти комиссияси тузилди ва чанғи спортининг қоидалари тасдиқланди.* «ЎзМЭ».

ЧАНҒИЧИ Чанғида учувчи, чанғи отувчи, чанғи спорти билан шуғулланувчи одам. *Бу ерда чанғичиларнинг мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади.* Газетадан.

ЧАП I [*ф.* چپ — сўл; сўл томон] **1** Гавданинг юрак жойлашган томонидаги; сўл. *Чап қўл. Чап елка.* ▬ *Таажжубки, унинг чап оёғи увушгандек, ўнг қўлининг бармоқлари ҳам дир-дир титрарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Сўл томон, ўнг томоннинг қарама-қарши томони. *Аҳмад кўчанинг чап бетидан — сердарахт ва қоронғи йўлакдан юрди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 *кўчма* Ўнг келмайдиган, тескари, ноқулай. *-Йўл гарчи чапроқ бўлса ҳам, бу гал унча қийналмадим. Кечга яқин Донохонлар уйига етиб бордим, — деди Нафиса.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

4 *кўчма* Муносабати яхши эмас (бирор кимса билан). *Мадаминжон қизлар билан чап бўлиб қолган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мирвали шу одам билан анчагина чап эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Бу орада нариги икковининг гапи яна чап тушиб қолди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Йўлни чап солмоқ Кўзга ташланмаслик, чалғитиш мақсадида тўғри йўлдан юрмай, эгри, айланма йўлдан юрмоқ. *Ҳайдарали йўлни чап солиб, сўқмоқлардан юрди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *[Умматали] Йўлни чап солган эди, у [Қимматхон] қувиб етди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Чап бермоқ** 1) эпчиллик билан ўзини олиб қочмоқ. *Авазхон.. оёғини ерга тираб, абжирлик билан чап бериб, чап томондан қилич солди.* «Маликаи айёр». *Автомат ўқига чап берамиз-а, аммо офицернинг чўнтагида граната бўлса-чи?* Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) тутқич бермай, ўзини олиб қочиб юрмоқ. *Ишга чиқ, десам, чап беради, қачон қарасангиз, бозорнинг гули.* С. Маҳкамов, Дала тонги; 3) рўбарў бўлмасдан, бирор ҳолатдан ўзини асрашга ҳаракат қилмоқ.

Назаримда, Абдураззоқ ота кексаликка чап бериб, йил сайин кучига куч.. қўшилиб бораётгандай. Н. Сафаров, Оловли излар. *[Яхшибоев:] Майли, ҳозирча ўлимга чап бериб юрибмиз, бундан кейин ҳам бирор ўн бешйигирма йил мўлжалимиз бор..* М. М. Дўст. Лолазор. **Чап ёни** (*ёки* **ёнбоши) билан турибди** Кимсанинг омади юришмаган, иши чаппасига кетган ёки серзарда бўлиб турган куни шундай дейилади. *Муҳаммад Расул ўз ичида: «Бу кун бой чап ёни билан турган шекилли», деб анча вақтгача калласини осилтириб ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Чап ичакка ҳам юқ бўлмайди** Жуда оз, овора бўлиб ейишга арзимайди (овқат ҳақида). **Чап кўз билан қарамоқ** Бошқаларга нисбатан камситиб, эътиборсиз қарамоқ. *Колхозда ҳамма нарса бригадаларга баравар тақсимлансин. Раис бировга ўнг кўз, бировга чап кўз билан қарамасин.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. **Чап қўл** *айн.* **чап 2.** *Отақўзи чап қўлдаги эшикни очди.* О. Ёқубов, Диёнат.

ЧАП II *айн.* **чалп.**

ЧАПАК [*ф.* چپک – қарсак] Кафтларнинг бир-бирига урилиши ва ундан чиқадиган товуш; қарс, қарсак. *Гулдурос чапаклар.* ▬ *Суярқулнинг сўзи жуда қаттиқ чапак ва олқишлар билан қарши олинди.* С. Айний, Қуллар.

Чапак чалиб қолмоқ Армонда қолмоқ, қуруқ қолмоқ. *Элмуроднинг.. юз ва кўзларида: «Ана, олиб кетди. Сен бекорга ўпкангни қўлтиқлаб юрибсан-да. Чапак чалиб қолаберасан», деган маъно ўйнар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧАПАКБОЗЛИК Чапаклар, қарсаклар билан ифодаланган севинч, мамнуният, хурсандлик; зўр олқишлар. *У.. мажлисларда сўзга чиқса борми, одамлар «гапни қийворар эканми», деб қойил қолишар ва чапакбозлик бўлиб кетарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧАПАНДОЗ [*ф.* چپانداز – чап қўлда ўқ отувчи; тескари; чапақай] **1** Ўзбек ва тожик мусиқасида мураккаб доира усули; талқин усулининг акси.

2 Шу номли доира усули жўрлигида ижро этиладиган мумтоз куй ва ашулалар. «*Чапандози наво*». «*Чапандози Ироқ*».

ЧАПАН(И) [*ф.* چپانی – жулдур, увада кийинган; жулдурвоқи] Безоринамо, олифта, енгил-елпи ҳаётга ўрганган одам. *Мулла Наби чапани бир йигит бўлиб, кечаси билан бўзахоналарда, чойхоналарда санқиб юрар эди* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Араббой қанча ўқиса ҳам, унинг қилиқ ва гапириши, юриш-туриши мактабда таълим кўрган киши эмас, балки чапани аравакашни эслатиб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чойхонадан икки чапан йигит югуриб чиқиб.. чолга таъзим қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАПАНИЛАРЧА *айн.* **чапаничасига.** *[Харитоновнинг] Гимнастёркасининг кўкраги чапаниларча очилган, кўзлари мастона сузилган.* О. Ёқубов, Излайман.

ЧАПАНИЧА *рвш.* Чапани одамларга хос бўлган; чапани одамлардай. *Ашур чапанича хохолаб кулди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЧАПАНИЧАСИГА *рвш.* Чапани одамларга хос равишда, чапаниларча. *Назар тўшига гурсиллатиб урди-да, чапаничасига қийқириб юборди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЧАПАНЧА *айн.* **чапанича.** *Бироқ, чапанча қилиб айтганда, «баданда одамгарчилик бўлиши зарур»га ўхшайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЧАПАРАСТА [*ф.* چپراست < چپّه‌راسته – чап ва ўнг; чапга ва ўнгга] *рвш.* Ўнг-сўл; ўнгу сўлга; ҳар тарафга; тартибсиз. *Одам тўлиб баланд-пастда, жўнаётир чапараста.* «Алпомиш». *Чапараста ураётган қор кўз очиргани қўймас эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Чапараста қилмоқ Остин-устин қилмоқ, астар-пахтасини чиқармоқ. *Шоир шу кетишда тўғри бошлиқнинг олдига кириб бориб, чапараста қилиб сўкди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

ЧАПАТИ *шв.* Юпқа қатирма нон; лочира. *Эрталаб Аҳмад Ҳусайн бир пиёла чой ва бир бурда чапати билан наҳорлик қилиб, ўрнидан турди.* Ойбек, Нур қидириб.

ЧАПАҚАЙ 1 Иш-ҳаракатни асосан чап қўл билан қиладиган. *Чапақай одам.* ▬ *Шавкат чапақай эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Чапақайларда бош миянинг ўнг ярimшари функцияси чап яримшарникидан устун туради.* «ЎзМЭ».

2 Чап оёқдан чиққан. *Чапақай ошиқ.*

3 *кўчма* Ўнг келмайдиган, ноқулай, тескари, чап. *Чапақай йўл.*

Чапақай жаҳли чиқмоқ *с.т.* Астойдил жаҳли чиқмоқ, ғазаби ошмоқ, ғазабига олмоқ. *Кампирнинг ҳам чапақай жаҳли чиқди.*

С. Аҳмад, Сайланма. *Ака, ҳозир кайфим ошиб, чапақай жаҳлим чиқиб турибди.* Уйғун, Ҳуррият.

ЧАПАҚАЙЛИК Ҳаракатларни бажаришда чап қўлнинг ишлатилиши; ирсиятга боғлиқ ҳолат.

ЧАПДАСТ [*ф.* چپدست – чапақай; эпчил, абжир] **1** Чаққон, эпчил, уддабурон. *Тилов бува Яхшибоев тегирмонга тушганда ҳам бутун чиққан, чапдаст одам.* Т. Тўла. *Ғайрат Ҳакимдан кўз узмас, унинг эпчил, чапдаст ҳаракатларини ҳавас билан кузатарди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Уста, моҳир. *Унинг [Ғанининг] ота-бобоси новвой ўтгани учун ўзи нон ёпишга чапдаст эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЧАПДАСТЛИК Чаққонлик, эпчиллик, абжирлик. *..дўконда сочлари калта қирқилган бир йигитча чапдастлик билан савдо қилади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Назирқул чапдастлик билан отнинг жиловини тутди.* С. Аҳмад, Уфқ. *[Музаффар] От минганда, отнинг бели толгудек, Чапдастлиги учар қушни олгудек.* Я. Қурбон.

ЧАПИЛЛАМОҚ «Чап-чап» овоз чиқармоқ; шапилламоқ. *Кўл чапиллар. Қайиқ биқинига тегиб қочар, кўпириб тўлқин.* Ҳ. Пўлат.

ЧАПИЛЛАТМОҚ 1 Чапилламоқ фл. орт. н. *Қодир қалин лабларини чапиллатиб, нонни узоқ чайнади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 Сувни кечиб ўтиш, сузиш каби ҳаракатларда чапиллаган овоз чиқармоқ. *[Бектемир] Қиялик остидан кўлмак сувни чапиллатиб кечиб ўтди-да, юқорига тирмашди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЧАПИМОҚ 1 Чаплаб ёпиштирмоқ. *Башарасига бўёқ чапиб, грим қилмоқ.*

2 Чапиқ қилмоқ, қора сувоқ қилмоқ. *Маҳкам ака деворнинг ёриқларини чапиш билан овора.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ЧАПИШТИРМОҚ Иссиқ сув билан совуқ сувни аралаштириб, илиқ ҳолга келтирмоқ. *Меҳриниса икки челакка сув чапиштириб, уйга олиб кирди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЧАПИҚ Қора сувоқ, дастлабки сувоқ. *Чапиқ қилмоқ. Девор чапиғи текис чиқибди.*

ЧАПЛАМОҚ I **1** *айн.* **чапмоқ 1**. *Онаси уни чўмилтирадиган бўлса, эрталабдан бошига қатиқ чаплаб қўярди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Кафтига олиб уриб ёпиштирмоқ. *..йигит молхона деворига лой чаплай туриб, қайлиғига ўтли-ўтли қараб қўяди.* «Ёшлик».

Қора бўёқ (*ёки* **лой, қора, қоракуя**) **чапламоқ** Ўта ёмон қилиб кўрсатмоқ, салбий баҳо бермоқ. *Ўртоқ Парпиева жиззакилик қилиб, авторларни қаттиқ нишонга олган, уларга қора бўёқларни чаплаб ташлаганлар.* «Муштум». *Отамурод чуқур тин олди: худо берди унга. Бошланди энди. Роса дийдиёсини айтадиган бўлди. Тоза қора чаплайди.* М. Мансуров, Ёмби. *Танқид қилишга ҳаммамиз ҳам уста. Кимёнинг юзига қоракуя чаплаш ҳам инсофдан эмас.* С. Нуров, Нарвон. *Танқидни тош отиш, қора суртиш, лой чаплаш деб тушунмаслик керак.* Газетадан.

ЧАПЛАМОҚ II Чап томонидан ёки чап бериб ўтмоқ. *[Отабек] Иккинчи бекатдан йўлни чаплаб, Тошлоқ дарвозаси орқали яна қайтиб Марғилонга кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАПЛАШМОҚ I **1 Чапламоқ** I фл. бирг. н. *Оқ тунукадан ясалган бакни ерўчоққа ўрнатиб, атрофига лой чаплашмоқда.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ. *Юзига чаплашган лойни кир панжаси билан артди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бугунги кутилмаган тун Ҳасанали отани чарчатган; унинг кекса кўзлари уйқу билан тамом чаплашиб олган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бир-бирига айқашиб-чалкашиб ноаниқлашмоқ. *Хат ўчирилавериб, жуда чаплашиб кетган эди.* О. Ёқубов, Излайман.

ЧАПЛАШМОҚ II Қарши бўлиб, зидлашиб қолмоқ, тескари бўлиб қолмоқ. [*Каримийнинг*] *Пичинги кўнглимни баттар ғаш қилди, чунки Матлуба билан чаплашиб қолганимиз рост эди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

ЧАППА [*ф.* چپّه – чапақай; нотўғри; тескари, терс] *рвш.* Тескари, терс. *Тахмондаги пўстаклардан бирини олиб, чаппа тўшаб ётди.* «Ёшлик». *Йўқ, чаппа айланмас фалакнинг чархи.* Б. Бойқобилов.

Чаппа бўлмоқ (*ёки* **кетмоқ**) Кутилган ҳолнинг, исталган нарсанинг бутунлай акси, тескариси бўлмоқ. *Ишинг бир чаппа кетса, кетаверар экан. Эрталаб турсак, боқувдаги қора новвосимиз йўқ.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧАППАР: чаппар урмоқ 1 Бирваракайига, ёппасига, ялписига юз бермоқ. *Водий-*

ларни яёв кезганда. Бир ажиб ҳис бор эди манда. Чаппар уриб гуллаган боғин, Ўпар эдим ватан тупроғин. Ҳ. Олимжон.

2 Чарх урмоқ, шиддат билан ҳаракат қилмоқ; жавлон урмоқ. *Мана бу кун боболар арвоҳи чаппар урар Менинг азамат юртим - ўзбекнинг саҳросида.* А. Орипов. *Оқ ва қора дунёни чаппар уриб айлангум.* А. Суюн.

ЧАППА-РОСТА *айн.* **чапараста**. *Чаппа-роста бўлиб айланди дунё.* Б. Бойқобилов.

ЧАППАСИГА *рвш.* Тескарисига, олди орқасига ёки остин-устин. *Аҳмадали тўнининг орқасини олдига ўгириб, чаппасига кийди.* «Ёшлик».

Чаппасига айланмоқ *(ёки* **кетмоқ)** *айн.* **чаппа бўлмоқ (***ёки* **кетмоқ)** *қ.* **чаппа**. *Иш чаппасига кетганига яраша хотиннинг кўнглини олиш керак.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ЧАП-ЧАП Чап II с. такр. *У* [*Валивой*].. *дўрдайган лабларини чап-чап ялади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЧАПЧАП Юпқа, шапарак ноннинг тури. *[Кампир] Сопол лаганда тухум қовурдоқ билан қозонга ёпган иккита чапчап нон келтирди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧАПЯ *шв.* Сут, қатиқ, суюқ овқат солиш учун ишлатиладиган сопол идиш; хурмача.

ЧАПҒАЛАТ *шв.* Шамғалат. *Кўзини чапғалат қилиб қочмоқ.*

ЧАРАҚЛАМОҚ Ялтирамоқ, ярқирамоқ; порлаб, нурланиб турмоқ. *Юлдузлар ёнади, Офтоб чарақлар..* А. Орипов.

2 *кўчма* Шодлиги юз ифодасида акс этмоқ. *[Қиз] Уларнинг шодликдан чарақлаб кетган чеҳраларига қараб, булар ҳам шодланишлари, кулишлари мумкинлигига ажабланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧАРАҚ-ЧАРАҚ *кам қўлл. айн.* **жарақ-жарақ.** *Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни чарақ-чарақ санаб оладилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАРВИ [*ф.* چرب / چربی – ёғ, мой; ёғли; ёғлилик] Молнинг (ёки қўй, эчки, от ва ш.к.нинг) ичаклари атрофида бўладиган ёғ; ички ёғ. *Қўй чарвиси.* ▬ *Гўшт эзилиб, қиймасимон бўлганда олиб, чарви ёғидан майда тўғраб, мижиб аралаштирамиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Чарви боғламоқ 1) семирмоқ; 2) *кўчма* бойимоқ. *Ё, ҳаром-харишга аралашиб юриб, сен ҳам чарви боғлаб қолдингми?* Уйғун, Ҳуррият.

ЧАРВОҚ [*ф.* چارباغ – тўрт томони боғ: катта боғ] *с.т.* Чорбоғ. *Бизлар сайр этгали бордик чарвоққа, Одами йўқ гул очилган овлоққа.* «Равшан».

ЧАРЛАМОҚ 1 Чақирмоқ, таклиф қилмоқ. *Келсин, деб чарлайди бувишим сизни, Элчи қип юборган ойимча бизни.* «Ширин билан Шакар».

Чарлаб чақирсанг ҳам келмайди Атайлаб чақирсанг ҳам келмайди (мартабаси улуғ, кибрли ва ш. к. одам ҳақида).

2 *этн.* Келин ёки куёвни чарлар маросимига чақирмоқ.

ЧАРЛАР *этн.* Никоҳ тўйидан сўнг келин ёки куёв шарафига ҳар икки қудалар уйида ўтказиладиган биринчи чақириқ. *Ҳаво очилиб кетиб, чарлар куни келиннинг кенгмўл ҳовлисида ҳамма аёллар.. роса яйраб қайтишди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

Келин чарлар Келиннинг ўз ота-онасиникига тўйдан кейин дастлабки боришига бағишланган чақириқ. **Куёв чарлар** Куёвнинг қайната-қайнанасиникига тўйдан кейин дастлабки келишига бағишланган чақириқ. **Боғ чарлар** Боғда ўтказиладиган чарлар. **Қуда чарлар** Қудаларнинг биринчи чақирилиши.

ЧАРМ [*ф.* چرم – ишлов берилган тери] **1** Ҳайвонлар терисидан ёки сунъий хомашёдан тайёрланадиган материал; кўн. *[Чол] Терига сув пуркайди ва кўва билан дўқ-дўқ уриб, чармни текислайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Юзига (*ёки* **бетига**) **чарм қопламоқ** Орномус, виждонни йиғиштириб қўйиб, безбет бўлиб олмоқ. *Пошша хола шунга ҳам шукур қилиб, бетига чарм қоплаб, истасаистамаса, куёвининг олдида гирдикапалак эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Гап бошласанг унга агар танқиддан, Бетига чарм қоплаб олар шу замон.* «Муштум».

2 Оёқ кийимининг остки қисми, тагчарм. *Маҳси чарми. Туфли чарми.*

3 *сфт.* Чармдан тайёрланган, чармдан тикилган, чарм қопланган. *Чарм сумка.* ▬ *[Мулла Фазлиддин] Оёғига чарм кавуш кийиб, обрез четида бет-қўлини ювди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Менинг ҳам қутим ўчиб, жон ҳолатда.. чарм суянчиқни шартта ушлаб олдим.* Н. Фозилов, Дийдор.

Чарм қўлқоп усталари Боксёрлар. *Баҳсларда тошкентлик ёш чарм қўлқоп усталари энг кўп ғалабага эришиб, биринчи ўринни қўлга киритдилар.* Газетадан.

ЧАРМЛАМОҚ Пойабзалнинг остки қисмига чарм қопламоқ, тагчарм қўймоқ. *Ботинкамни уста янгидан чармлаб берди.*

ЧАРМФУРУШ [*ф.* چرمفروش — чарм сотувчи] *эск.* Чарм билан савдо қилувчи, чарм сотувчи одам.

ЧАРОС Ўртапишар, юмалоқ қора узум. *Ичкари ҳовли кенг, гулзор, баланд сўрига кўтарилган токлар. Чарос, ҳусайни узумлар ғарқ пишиб, бошлари осилиб турибди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

Чарос кўз Гўзал, қоп-қора кўз. *Юлдузхон чарос кўзларини оҳиста очди.* Газетадан.

ЧАРОҒ *кт. қ.* **чироқ**. *Бор экан инсон қўлида Орзу ёққан чароғ, Бу чароғни, ўйла бир кун Офтоб айлар хаёл.* Э. Воҳидов.

ЧАРОҒБОН [*ф.* چراغبان — чироқ коровули; чироқ ёқувчи] *тар.* **1** Кўча чироқларига қаровчи киши.

2 *кўчма* Илм-маърифат тарқатувчи одам. *Мактаб боғ бўлса, бола ниҳол бўлса, бу боғнинг боғбони, илм чароғбони ўқитувчидир.* Газетадан.

ЧАРОҒОН [*ф.* چراغان — машъалалар, чироқлар: жуда ёруғ, равшан] **1** Равшан ёритилган; ёруғ. *Чароғон кўчалар.* ▬ *..одатда йўл ва йўлкаларни чароғон этиб турадиган кўча чироқлари нурсиздек кўринади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Атроф чироқлардан чароғон.* «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма* Яшнаган, обод. *Ғайратимиз бир чароғон ўлкани қилди бино.* Ғ. Ғулом. *Рота адир устига чиққанда, унинг нариги томонида чароғон бир водий кўринди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЧАРС I *тақл. с.* Муз, ойна, чинни каби нарсаларнинг синишидан чиқадиган товушлар ҳақида. *Ойна чарс этиб синди. Муз чарс этиб ёрилди.*

ЧАРС II **1** Шартаки, тўрс, ўжар; бетгачопар. *Бийди момо ҳамон ўша-ўша — чарс, аччиқсўз кампирлигича қолаберди.* «Ёшлик». *Аммо унинг чарс феъли қарз олмоқни ёқтирмайди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Асов, ёввойи табиат, ҳурковуч (ҳайвонлар, қушлар ҳақида). *Айтиб бўлмайди-да, баъзи отлар чарс, ўргатилмаган бўлади, устидан улоқтириб ташлаши мумкин.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштaлар.

ЧАРСИЛЛАМОҚ 1 «Чарс» этган овоз чиқармоқ. *Пуфлашнинг зўри билан ўтин ниҳоят чарсиллаб ёна кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Чарсиллаган совуқ Қаттиқ, қуруқ совуқ. *Азаматлар чарсиллаган совуқда яланғоч бўлиб, сойга шўнғимоқда.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *кўчма* Жаҳли чиқиб, дарғазаб бўлиб, одамни егудек бўлиб турмоқ. *Холмирзанинг тили қичиб келди-ю, хотинининг чарсиллаб турганини кўриб, ўзини оғирликка солди.* Ҳ. Назар, Ўтлар туташганда.

ЧАРС-ЧАРС Чарс I с. такр. *Тарновдан тушаётган ёмғир суви шамолда дераза ойналарига чарс-чарс уриляпти.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ЧАРС-ЧУРС *айн.* **чарс-чарс.** *Бир томонда чарс-чурс билан гулхан ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Чарс-чурс қилмоқ (*ёкм* **этмоқ)** 1) чарс-чурс овоз чиқармоқ. *Ўтинлар чарс-чурс этиб.. ёниб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди; 2) норозилик, жаҳл билан қўпол муомала қилмоқ. *Эртасига ҳам Холниса хола чарс-чурс қилиб юрди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ЧАРТЕР [*ингл.* charter — шартнома < *юн.* chartion — варақча, бир парча қоғоз] Денгиз ёки ҳаво орқали йўловчи ёки юк ташиш учун кема, самолёт эгаси билан уни ёлловчи шахс ўртасида тегишли транспорт воситасини ёки унинг бир қисмини маълум рейс ёки вақтга ижарага олиш ҳақида тузилган шартнома.

Чартер рейс Шундай шартнома асосида амалга ошириладиган рейс.

ЧАРХ [*ф.* چرخ — ғилдирак; доира, айлана; чиғир] **1** Ип йигирадиган дукли қўл асбоби. *Яхши хотин эрта туриб, чарх йигирар, Ёмон хотин эрта туриб, ўчоқ ковлар.* Мақол. ▬ *Кимдир чарх йигиряпти шекилли, ғир-ғир овоз ҳам келяпти.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Ҳар хил асбобларнинг, қурилмаларнинг айланадиган қисми; парраги. *Тегирмон чархи.* ▬ *-Юринглар, ўшал қудуқнинг чархини айлантирурмиз, — деди Алишер..* М. Осим, Карвон йўлларида.

3 Кесувчи асбобларнинг тиғини ўткирлайдиган, қайрайдиган асбоб. *Чархда пичоқ чархламоқ.*

Чарх илонлар Қора илонлар оиласига мансуб илонлар уруғи (танасини ҳалқа қилиб ўраганида, тангачалари ишқаланиб, чарх тоши айланишига ўхшаш овоз чиқаради).

4 *кўчма* Гардиш, айлана. *Давр чархи. Чархи фалак.* ▬ *Ғаниева гап чархини айлантириб юбориш учун: -Лаълихонни ҳам олиб келмабсиз-да, — деди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. *Тарк этдим чархи фалакни, мени тарк этмади оҳлар.* «Ёшлик».

Чарх урмоқ 1) айланмоқ; атрофида айланмоқ. *Ҳовуз атрофидаги қор босган толлар устида қарғалар чарх уриб қағиллайди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси; 2) турган ерида олдинга босмай айланмоқ. *Велосипед чарх уряпти.*

5 *кўчма поэт.* Фалак; дунё. *Бу — чархнинг фақат бир-бир айланиши, Ҳамал қуёши ҳам тахтига минди.* А. Исроилов. *Номеҳрибон кўзлардан омон асра мени, чарх!* А. Обиджон.

Чархи кажрафтор Тескари айланувчи, адолатсиз дунё. *Чархи кажрафтор тўнини тескари кийди.* ▬ *Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен..* Фурқат.

ЧАРХАК [*ф.* چرخک — кичик чарх; ип, калава ўраш қурилмаси] **1** *шв. айн.* **чамбарак 2**.

2 Ип калавалайдиган чархсимон мослама.

ЧАРХЛАМОҚ 1 Кесувчи асбобларнинг тиғини ўткирламоқ, қайрамоқ. *Пичоқ чархламоқ.* ▬ *Чол пичан ғарами олдида чалғи чархлар эди.* «Шарқ юлдузи. *Ҳаким совға қилган қаламтарошнинг ёнига ошпичоғимизни чархлаб қўшиб қўйдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Ўстирмоқ, ўткирламоқ, пешламоқ. *Ақлни чархламоқ.* ▬ *Чархлаб туриш керак аммо Туйғу билан ақлни.* А. Орипов. *Қат-қат йиллар ташвиши бесаранжом кампирнинг сезги қувватини чархлаган эди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Бировга қарши хезламоқ. [*Нор Мастурага:*] *Хола, мени кўп чархламанг-у, уврангизни кесаберинг! Оғзингизга сиққанини уч кунда лаққа жигардек қанорангизга илиб қўяман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ЧАРХПАЛАК [*ф.* + *а.* چرخفلك — осмон гумбази; дунёнинг, тақдирнинг ўзгарувчанлиги, беқарорлиги] **1** Сув кучи билан айланиб, катта ариқдан юқорига сув чиқарадиган энг қадимий қурилма; чиғир. *Кеч енгил шабадада барглар аста шилдирар, бу майин сас.. ялқовланиб айланаётган чархпалакнинг ғирч-ғирчига қўшилиб кетарди.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Чархпалак чуқур сой тубидан сув олиб, теваракка жон бахш этмоқда.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Маданият-истироҳат боғларига, болалар майдонларига ўрнатиладиган, бир нечта кажаваси бўлган, горизонтал ўқ атрофида электр қуввати ёрдамида айланувчи катта ғилдирак тарзидаги кўнгилочар иншоот. [*Қиз*] *Қийқириб кулар, тезликни писанд қилмас, чархпалак яна ўн марта тезроқ чарх урса ҳам, унга камлик қиладигандек эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

Тарих чархпалаги Тарихий воқеа-ҳодисалар силсиласи; тарихнинг гардиши. *Абул Аббос Маъмуннинг фожиали ўлимидан сўнг кўҳна тарихнинг чархпалаги тезроқ айлана бошлади.* М. Осим, Карвон йўллари-да. **Чархпалак бўлмоқ** Думбалоқ ошиб, оёғи осмондан бўлиб йиқилмоқ. *[Отамурод] Бу аҳволда икки қадам юрмай чархпалак бўлиб йиқилади-ку. Эмаклагани маъқулмикан?* М. Мансуров, Ёмби.

ЧАРХЧИ I **1** Чарх ясовчи уста.

2 Кесувчи асбобларни чархловчи одам. *-Ҳай-ҳай-ҳай, калима келтир, иним, оллога минг марта шукур дегин, — деди чархчи чол ранжиган тусда.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЧАРХЧИ II Кичик сайроқи қуш.

ЧАРЧАМОҚ Меҳнат, иш-ҳаракат, дард-алам ва ш.к. натижасида ҳорғинлик, чарчоқ сезмоқ; ҳоримоқ, толмоқ. *Оёқ чарчаса, таёқ ярамайди.* Мақол. ▬ *Икромжон юра-юра чарчади.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Асабларингиз оғир хаёллардан чарчаган. Қаттиқ чарчаган, — деди врач.* «Ёшлик». *Икки соатлик қизиқ бир базмдан сўнг қизлар чарчадилар-да, ўйинни тўхтатдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАРЧОҚ *от* **1** Ҳориганлик, ҳорғинлик; толиқиш, чарчаш. *Шукуржон бутун аъзойи баданида қаттиқ чарчоқ ҳис этиб, бир нафас эшикка суяниб турди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

2 *сфт.* Чарчаган, толиққан. *Тоғ ҳавоси нақадар сўлим — чарчоқ асабларга ором, юракларга мадор, танларга қувонч бағишлар, иноқлик ва ширин мулоқотларга сабабчи бўларди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

ЧАРЧОҚЛИК Чарчаганлик, толиққанлик. *Нигора Шербекка боқаркан, бутун вужудини чарчоқлик эзиб юбораётгандай туюлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧАСОВОЙ [*р.* часовой – маълум соатларда алмашинадиган (соқчи) < часы – соат] *қ.* **соқчи.**

ЧАСТОТА [*р.* частота < частый – бирин-кетин тез алмашинувчи, муайян вақт оралиғида тез такрорланувчи (ҳаракат, ҳолат ёки воқеа-ҳодиса)] *физ.* **1** Маълум вақт ичида такрорланган ҳаракат ёки тебранишлар сони. *Тебранишлар частотаси.*

2 *кино тех.* Кадрларнинг алмашиниш даврийлиги ёки тезлиги.

3 *тлш.* Муайян лингвистик ҳодисанинг нутқда миқдоран қўлланиш даражаси. *Олмош туркумидаги сўзлар частотаси.*

ЧАСТОТАЛИ *физ.* Маълум миқдордаги частотага эга бўлган. *Олимларнинг аниқлашича, кўршапалаклар ҳавода юқори частотали ультратовуш тўлқинлари ёрдамида мўлжал олишаркан.* «Фан ва турмуш».

Частотали луғат *тлш.* Сўзларнинг (сўз шакллари, сўз бирикмаларининг) нутқда қўлланиш миқдори ҳақида маълумот берувчи луғат. *Частотали луғат тилда у ёки бу грамматик конструкция қайси частота билан қўлланганлигини ҳисоблаш имконини беради.* «ЎТА».

ЧАТАНОҚ *с.т.* Икки оёқнинг ораси; чот. *Ола қарғанинг юришини қиламан, деб чумчуқнинг чатаноғи йирилибди.* Мақол. ▬ *Шу аснода юмалоқ, хушчақчақ миришкор.. катта тарвузни қорнига қўйиб, чатаноғини атайин кериб кира қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАТИЛМОҚ Чатмоқ 1 фл. мажҳ. н. *Хат саккиз букланиб, қизил ипак билан бир-икки чатилган ва Отабекка аталган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қулоққа чатилмоқ *айн.* **қулоққа чалинмоқ** *қ.* **чалинмоқ**.

ЧАТИР [*ф.* چتر – соябон; гажак] *бот.* Ем-хашак бўладиган ёввойи ўт. *Ўтказилган тажрибалар чўл ва адирларда, яйловларда шувоқ.. ялтирбош, чатир сингари ёввойи ўсимликлардан экиб, табиий яйловларнинг ҳосилдорлигини бирмунча ошириш мумкинлигини кўрсатади.* «Фан ва турмуш».

ЧАТИР-ЧУТУР *тақл. с.* Қуруқ ўтиннинг ёнишидан чиқадиган товушни билдиради. *Гулханнинг чатир-чутури.*

ЧАТИШ 1 Чатмоқ фл. ҳар. н. *Оқ ип билан чатиш. Тугма чатиш.*

2 Аралаш, дурагай. *Чатиш қўй.*

3 Туташ, чегарадош. *Чатиш далалар.*

4 Узоқ қариндош, бир оз қариндошлиги, яқинлиги бўлган, чатишган. *У бизга она томондан чатиш.*

ЧАТИШМОҚ 1 Чатмоқ фл. бирг. н.

2 Дурагай бўлмоқ, дурагайлашмоқ. *Чатишган моллар.*

3 Узоқ қариндошлик муносабати билан боғланмоқ. *-Аҳмад Яссавий балки бизнинг пиримизга чатишган қариндошдир? – сўради мажлис аҳлидан бири.* Ойбек, Улуғ йўл. *Асли улар билан Анзиратларнинг чатишган жойи бор – қариндош.* «Ёшлик».

4 Бир-бири билан қўшилиб, бирлашиб кетмоқ. *Бобоқайрағочнинг ўзаро чатишиб кетган шохларига боқиб, «ислимий мўъжиза», деб ўйлади йигит.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бепоён далада бир ботир ухлар: Сочлари чатишиб кетган гиёҳга.* Х. Даврон.

5 *кўчма* Ўзаро қўшилмоқ, бирлашмоқ. *Хоразм воҳаси ўзбек достончилигининг ўзига хос, эпик анъаналар чатишиб кетган этник регионларидан биридир.* «ЎТА». *Авазнинг гапида енгил киноя билан самимий эҳтиром нозик бир усулда чатишиб кетган эди.* С. Сиёев, Аваз.

ЧАТИШТИРИШ Уруғланиш жараёнида ирсий жиҳатдан бир-бирига ўхшамайдиган иккита жинсий ҳужайранинг табиий ёки сунъий қўшилиши; уруғларни қўшиш йўли билан янги нав, янги зотни юзага келтириш. *Чатиштиришга бирин-кетин иккитадан ортиқ ота-она шакллари жалб этилса, мураккаб чатиштириш ҳисобланади.* «ЎзМЭ». *[Зайниддин] Лимон дарахтларини бир-бирига чатиштириб, янги, мазали, серҳосил навлар бунёд этиш учун астойдил интилди.* «Гулистон». *..бурноғи йили майин жунли зотли қўчқорлар келтирилиб, ўзимизнинг жайдари қўй ва эчкиларга.. чатиштириш бошланган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧАТИШТИРМОҚ Чатишмоқ 2 фл. орт. н. *Майин жунли қўйларни чатиштириб кўпайтириш.*

ЧАТИҚ: чатиқ қош Ўсиқ ва қўшилган қош. *Бу қора кўзлар мудом йиғлар чатиқ қош остида.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧАТМА 1 *от* Каштачиликда гул тикишнинг бир усули. *Тикиши силлиқ эмас,*

ўгирмаси чатмага, санамаси йўрмага кундош бўлиб тургандай. Ғ. Ғулом.

2 Тахта, хода, милтиқ ва ш.к. нарсаларнинг тик ҳолда бир-бирига ёнма-ён боғлаб маташтирилган ёки учлари пирамидасимон бирлаштирилган ҳолати, кўриниши. *Бошқа сарбозлар милтиқларни бир жойда чатма қилиб қўйиб, кўчани сув сепиб супурдилар.* С. Айний, Дохунда. *Янги туғилган бузоқларни хода чатмаларидан кўра қилиб қамаб қўйишибди.* Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

Чатма қош *айн.* **чатиқ қош** *қ.* **чатиқ**. *Девор наҳрасидан тандирдан нон узаётган аёлнинг чатма қора қошлари кўриниб турарди.* С. Нуров, Нарвон.

ЧАТМОҚ 1 У ер-бу еридан тикиб уламоқ, ёпиштирмоқ. *Кўйлакка тугма чатмоқ.* ▬ *Шу куни қайнана эски бир учбурчак туморни чақалоқ бешиги устига [гаврапўшга] чатиб қўйди.* Мирмуҳсин, Чўри.

Игна чатмоқ Игна билан тикмоқ. *Ҳовлида ёш жувонлар юришар, кимдир овқат пиширар, баъзи бирлари айвончага ёзилган намат устида ҳадеб игна чатарди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Бириктирмоқ, боғламоқ. *У [инженер] миясидаги бутун билганларини йиғиштириб, бир-бирига чатиб кўрди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЧАТНАМОҚ Дарз кетмоқ, ёрилмоқ; синмоқ. *У* [*капитан*] *ғиштга тойғаниб йиқилган экан, тўпиқ суяги чатнабди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Қиз меҳнатдан, изғириндан чатнаган қўлларини қипқизил чўққа тутиб..* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЧАТНОҚ Ёрилган. *Сочлар пахмоқ, юзу қўл чатноқ, Лекин шон-ла қайтди беш ўртоқ. Чанқоқ ва чатноқ лаби: Сув! — деди — сув бер кўпроқ!* Миртемир.

ЧАТОҚ 1 Қониқарсиз, ёмон; яхши эмас. *Қаранг, қандай ажойиб хислатларим бор. Лекин сиз ишга олмайсиз мени. Чунки менга ишонмайсиз — ўтмишим чатоқ-да.* «Ёшлик». *[Талъат:] Яхши гапирдингиз.. Фақат машина учрамагани чатоқ бўлди-да. Аксига юради ўзи.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Мушкул, қийин. *Тантибойваччанинг нафаси ичига тушиб кетди, лекин бу ўнғайсиз, чатоқ аҳволдан қутулиш учун ўзини билмасликка олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Хато, нотўғри. *..табелчи ҳам худди жўрттага қилгандай, унинг номини ё тутилиб айтар ёки чатоқ ўқиб, икки марта такрорлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Лекин ёш болани — табибнинг ўғлини янтоқ билан савалаганим чатоқ бўлган экан.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

4 *кўчма* Қайсар, ўжар; қитмир, ишкал қидирувчи. *Ер тўғрисида бир чатоқ одам билан судлашиб юрган эди, суд ишни унинг зарарига ҳукм қилганмикан, деб ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Умар:] Умуман, эҳтиёт бўлинг, сизни кўролмайдиганлар кўп. Ҳалиги индамас Ваҳоб ҳам чатоқ.* Газетадан.

Аҳвол (*ёки* **иш) чатоқ** Аҳвол, вазият яхши эмас; ёмон, чигал. *-Қозон қайнамай қолди, ошна, аҳвол чатоқ, — дедим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ишлар чатоқ, ҳамма нарса чаппасига айланиб кетибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Чатоқ қилмоқ** *ёки* **чатоғини чиқармоқ** 1) нотўғри, хато иш қилмоқ. *Дарвеш гов яна бу ерда ҳам тилини тиймай чатоқ қилди. Барча бекларни ёмонлаб, қарғаб, оловга мой сепди!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 2) ёмон, оғир аҳволга солмоқ, зарар етказмоқ. *-Шодиёрга айтинг, кўпам айланишмасин, тутсам, чатоқ қиламан, — деди Тоғай.* «Ёшлик».

ЧАТОҚЛАШМОҚ Мушкул, ёмон аҳволга келмоқ; чигаллашмоқ. *Бир кори ҳол юз бериб, Ҳакимнинг аҳволи чатоқлашадиган бўлса, у мадад бериш ўрнига, дарҳол қоралашга ўтиши аниқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *-Энди, бу ёғини ҳеч бўшаштирмаслик керак. Агар иш салгина чатоқлашса, бировларга масхара бўлиб қоламиз, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧАТОҚЛИК 1 Чалкашлик, чигаллик, ишкал; хато. *Ҳисоб-китоб ишларидаги чатоқликлар туфайли бухгалтер Маюсуф ишдан бўшаб кетди.* «Муштум».

2 Ноқулайлик; талабга мос келмаслик. *-Дом жоннинг роҳати дейишади-ю, шунақа пайтда [тўй-маърака қилаётганда] чатоқлиги билинади-да, — деди сийрак соқолли киши..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Қитмирлик; ёмонлик. [*Ҳазратовнинг*] *Лақаби ўзига мос, фикри-ёди чатоқлик.* «Муштум».

ЧАТОҚ-ЧУТОҚ Жуда чатоқ, чигал, ишкал. *Чатоқ-чутоқ ишлар.*

ЧАХ-ЧАХ *тақл. с. айн.* **чағ-чағ**. *Бутоқларда минглаб қушлар чах-чах сайрайди.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Бу етма-*

гандек, ҳовлининг ҳув этак томонидан баралла булбуллар чах-чахи эшитила бошлади. А. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

ЧАЧВОН *тар.* Отнинг думи қилидан тўқилган, паранжи остидан юзга тутиладиган тўр парда; чиммат. *У [Жаҳон отин] чачвонини кўтариб, паранжи орқасига ташлаб келаётган эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧАШМ [*ф.* چشم – кўз; булоқ; нинанинг кўзи; орзу-умид] *эск. поэт.* Кўз. *Буюк Улуғбекнинг чашмига кўзгу – Кўкда ҳамон кезар ўша тўлин ой.* А. Орипов. *Жаннат! Менга кўлгинангни бер, Нозик-ниҳол, эй чашми офат!* М. Али.

ЧАШМА [*ф.* چشمه – булоқ; манба] **1** Ер остидан чиқаётган сув манбаи ва унинг суви. *Мерган бағрини ерга бериб, чашма сувидан қониб-қониб ичди. Унинг ўткир кўзлари чашма атрофидаги гиёҳларга қадалди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Бирор нарсанинг манбаи. *Ижод чашмаси. Билим чашмаси. Меҳр чашмаси.*

ЧАШМБАНД [*ф.* چشم‌بند – кўзни тўсувчи] Чачвон; юз ёпинчиғи. *Ясаниб олган болалар, янги дока чодирга ўралиб, юзига чашмбанд ташлаб олган аёллар, кексалар ҳам бор.* Ҳ. Ғулом, Жазоирда тонг.

ЧАШНАЧИЛИК, чашнагирлик [*ф.* چاشنی – таъм; татиб, еб кўриш; таъмини билиш, синаш] Узум, вино, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ўсимлик хомашёси сифатини кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эшитиш аъзолари орқали аниқлаш. *Чашначиликнинг камчилиги – унинг муайян даражадаги субъективлиги; афзаллиги эса, энг сезгир асбоблар билан аниқлаб бўлмайдиган ўзига хос нозик сифат хоссаларини фарқлаш ва унга баҳо беришдир.* «ЎзМЭ».

ЧАҚА 1 Асосан мис, жез сингари металлардан ясалган, қиймати паст майда танга пул. *Оқ кўйлак устидан олача ипак тўн кийган, гавдаси йўғон баққол.. ёш харидорнинг айтган нарсаларини тортиб, қўлидан майда чақаларни олди.* М. Осим, Ибн Сино.

2 *эск.* Бир тийин. *[Отабек ва Али] Дастурхонни йиғиштирувчи келинчакка ўғил тилаб дуо қилгандан кейин, қўлига ўттиз чақа сурма пули бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Умуман пул, маблағ. *Темирчи йигитнинг чақаси миёнагина тўйга етарли бўлиб қолганида, Холхўжа қўрбоши йигитларининг хуружи бошланди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Бир чақага (*ёки* **сариқ чақага) арзимайди** Ҳеч нарсага ярамайди, арзимайди. -*Хаёлларим бир чақага ҳам арзимайди, муҳтарам зот, – ҳозиржавоблик билан узиб олди моҳир санъаткор.* Газетадан. **Бир чақага** (*ёки* **сариқ чақага) олмаслик** Менсимаслик, ҳурмат қилмаслик. *Бу кулишдан унинг меҳмонни бир чақага олмаслиги аниқ билиниб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мен тирикман – бозори чаққон, мен ўлсам, уни биров сариқ чақага олмайди.* М. М. Дўст, Лолазор. **Бир** (*ёки* **сариқ**) **чақалик** Сира, мутлақо. *Бу Насим дегани шунақа.. Бемаврид ёғаётган қор билан ҳам.. Аброрнинг тажангланиб тургани билан ҳам унинг бир чақалик иши йўқ.* О. Мухтор, Эгилган бош. *Бу чатоқ ишга ўзининг сариқ чақалик алоқаси бўлмаса ҳамки, бутун жавобгарлик ўз елкасига ағдарилгандай ҳанг-манг бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Сариқ чақам йўқ** Сира ҳам пулим йўқ. *[Йўлчи:] Онам, укаларим учун бу ерда юрибман, Эшвой ака, буни яхши биласиз. Аммо ҳозир ёнимда сариқ чақам йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Чақа қилмоқ** Сотмоқ, пулламоқ. *Мана, Барат супургичи! Бозордан супургисини чақа қилолмай, яна орқалаб қайтаётир.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАҚА II **1** Кичик яра, жароҳат. *Пулни юз-бетига чақа тошган иккита ўспирин олди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Ниёзмурод Бибигул юзидаги қонталашган чақаларни кўрди.* Мирмуҳсин, Чўри.

2 Бирон-бир зарб, таъсир натижасида нарсаларнинг юзасида ҳосил бўлган ўйиқ. *Машина урилиб чақа бўлди.* ▬ *Пластмассадан қилинган шкаф урилиб, чақа бўлади ёки стулнинг оёғи тез синиб қолади, деб сира хавотирланманг.* «Саодат».

ЧАҚА III *шв.* Бола, фарзанд.

ЧАҚАЛОҚ Янги туғилган бола; гўдак. *Дунёга келган чақалоқлар улғайгани сайин, уларда ҳиссий аъзолар шакллана боради.* «Фан ва турмуш». *Еттинчи кун хатми қуръон қилиниб, халққа ош берилди ва шу муносабат билан чақалоққа «Ёдгорбек» деб исм қўйилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАҚИЛМОҚ Чақмоқ V фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ҳар ким ҳам чақилар, Яхши от ҳам қоқилар.* Мақол. *Чақилган тухум. Чақилган гугурт чўпи.* ▬ *Ғалвирак ёнғоқнинг иккитасини*

партага устма-уст қўйиб, бир урсангиз, иккаласиям чақилиб кетади. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Ана бунда чақилган ёнғоқ, бодом ва данак мағиз.. бор.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *От чопса, чақилар тоғларнинг тоши.* «Тоҳир ва Зуҳра».

Пистони чақилган Кучи кетган, ишдан чиққан (одам ҳақида). *Бундан ташқари, сен пистони чақилган одамсан, бизнинг қўлимизда узун косов бўлиб хизмат қилишдан бошқа ишга ярамайсан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Пулга чақилмоқ** Пули оз қолмоқ; пул етишмаслигидан қийналмоқ. *Ўша пайтларда иморат қуриб, пулга чақилиб қолган эдик.* Газетадан.

ЧАҚИМЧИ Бировнинг гапини бировга ташувчи, бирор кимсанинг сирини очувчи, бировлар устидан махфий хабар етказиб турувчи. *Бекорчидан безиб қоч, Чақимчидан — кўчиб.* Мақол. ▬ [*Шоҳрух*] *Ҳар бир совуқ гап, фитнаю чақимчиларга қулоғини тутар, эркинроқ фикр юритувчи.. арбобларни қувғунга солиб, эътиборини пасайтирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЧАҚИМЧИЛИК Чақимчига хос хатти-ҳаракат ва одатлар; гап ташувчилик. *Чақимчилик ёмон иллатдир, чунки у туфайли одамлар ўртаси бузилади.* Газетадан.

ЧАҚИН Ўт, ўт учқуни. *Тўғон тепасида электр пайванди чақин чақади.* С. Аҳмад, Онажонлар. *Катта олов йилт этган чақиндан бошланади.* «Шарқ юлдузи». *Кетмонларнинг чақини ялтирар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *айн.* **чақмоқ** III. *Баҳор осмонида чақнаса чақин, Кўксингдан отилар оловли нафас.* А. Орипов. *Қора булутлар орасида қиличдек ялтираб чақин чақа бошлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧАҚИР Ўткир қиррали, қиррадор. *Қия тушиб турган офтобда чақир тошларнинг акси сувга уриб, жимир-жимир товланар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Чақир кўз *айн.* **чағир кўз** *қ.* **чағир.** *Вазирнинг новча, чақир кўз ўғли эса, ҳеч нарсани эшитмагандек, кўзларини бақрайтириб турарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧАҚИРИЛУВЧИ *ҳарб.* Ҳарбий хизматга чақирилган ёки чақирилиш ёшида бўлган шахс. *Юртдошлар армияга чақирилувчиларни кузатгани шу ерга келдилар.* Газетадан.

ЧАҚИРИМ [«чақирмоқ» с. дан] Метрик ўлчов системаси қабул қилингунга қадар қўлланган, 1,06 километрга тенг қадимги узунлик ўлчов бирлиги; бир километр. *Ёдгор қизнинг бир марта кулиб қарашини кўриш орзусида саккиз чақирим наридан гоҳ пиёда, гоҳ ўртоғининг велосипедида келиб кетарди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧАҚИРИМЛАМОҚ Чақирим билан ўлчамоқ, ҳисобламоқ. *Чўллардан чақиримлаб эмас, бутун-бутун область ва район жойлашадиган ерларни очамиз.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЧАҚИРИҚ 1 Чақириш мақсадида айтилган сўз, гаплар. *Ғафур аканинг: -Қочадиган одам йўқ, келаверинг, — деган ҳазилнамо чақириғи эшитилди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Бирор хатти-ҳаракатга ундаш, даъват қилиш. *Демак, Бобурнинг дунё лаззатларидан фойдаланиш.. тўғрисидаги насиҳат ва чақириқлари ҳаётдаги турли-туман кўнгилсиз, бахтсиз воқеалардан.. ғам чекишнинг ўрнига тавсия этилган тадбирлардан эди.* «ЎТА». *Командирнинг чақириқлари взвод жангчиларини жасоратга чорларди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Хонадонда бирор муносабат билан ўтказиладиган меҳмондорчилик, зиёфат. *Яқинда бир танишим қизининг туғилган куни муносабати билан меҳмон чақириқ қилди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

Қуда чақириқ *этн.* Никоҳ тўйидан кейин қудалар тарафидан келин ёки куёвнинг оиласи ва қариндош-уруғларини чақириб бериладиган зиёфат. *Совуқчилик қуда чақириқдан бошланди.* «Шарқ юлдузи».

4 *тар.* Шўро даврида: партия, ҳукумат ёки съезд, қурултой, мажлис ва ш.к. томонидан эълон қилинган мурожаат, даъват ёки шиорлар. *1 Май чақириқлари.* ▬ *Бўтабой сўзининг охирида.. чақириққа ўзининг тайёр эканини билдирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Навбатдаги сайловдан кейин ҳамкорликда иш олиб борувчи депутатлар таркиби.

Чақириқ қоғози Идора, муассаса ва ш.к. нинг расмий таклиф қоғози; повестка. *Қодирбек билан бўлган тунги можародан бир ҳафтача ўтгандан кейин милициядан менга чақириқ қоғози келиб қолди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ЧАҚИРЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **шиқирламоқ**. *Маҳалла чойхонасида одам тиқилинч, қаердадир чойнак қопқоқлари чақирлайди.* «Муштум».

ЧАҚИРМОҚ 1 Номини айтиш, овоз чиқариш ёки бирор хатти-ҳаракат воситасида муайян жойга келишга ундамоқ, чорламоқ. *Бир вақт Кумуш хола чақириб қолди: -Ҳув Қоракўз! Мунда кел, болам!* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хон қарс уриб, мулозимини чақирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аҳмедов имо билан уни [Канизакни] чақирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бўтабой баланд овоз билан бригадирларни чақирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ўзига қаратиш мақсадида номини айтиб ёки бошқа сўзлар воситасида узоқроқ жойдан туриб мурожаат қилмоқ. *Кўчанинг нариги юзидан уни кимдир чақирди. Ҳамроқул, чақирган кишига қарайман, деб гандираклаб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

..деб чақирмоқ Атамоқ, шундай ном, сўзни қўллаб мурожаат қилмоқ. *Бу кишининг устодлари.. Зокир эшон-да.. Хон уни «Зокир гов» деб чақирар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бўлмаса сизни, амаки, деб чақирсам майлими?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

3 Таклиф, даъват қилмоқ. *Деҳқон ўзининг яқин қариндошларини ва ошна-оғайниларини меҳмонга чақирибди.* «Чалпак ёққан кун». *Куёш тик келганда, Чўли бобо ҳаммани овқатга чақирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Куёв чақирди *этн. айн.* **куёв чарлар**. *қ.* **чарлар**. *Бегимхоннинг онаси куёв чақирдисини ўтказиши билан 1939 йили Эрали ҳарбий хизматга кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Бирор иш, вазифа ва ш.к. ни адо этишга ёки унда иштирок этишга даъват қилмоқ, ундамоқ. *Ёрдамга чақирмоқ. Мусобақага чақирмоқ.* ▬ *Раҳбарлар Фотиманинг ишини мақтаб, ҳаммани ундан ўрнак олишга чақирарди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Чолнинг жаҳли чиқиб, золим хонни урушга чақирди.* «Чалпак ёққан кун». *Никоҳ куни.. самовар қайнатиш ишига бойнинг хотини Йўлчини чақирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Мажлис (*ёки* **кенгаш) чақирмоқ** Мажлис ёки кенгаш бўлиши ҳақида унга алоқадор шахсларга билдирмоқ, хабар бермоқ; мажлис ёки кенгаш ўтказмоқ. *Эртоевнинг бахтига, иккинчи секретарь ҳам кичик мажлис чақирган экан..* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ҳусайн Бойқаро кенгаш чақирди.* Ойбек, Навоий.

5 Бирор нарсани келтиришни сўрамоқ, буюртма бермоқ (ошхона, чойхона ва ш.к. ларда). [*Йўлчи*] *Чойхоналардан бирига кирди. Устунга суяниб, тахта каравотда оёғини узатиб ўтирди. Чой чақирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзинг чақирдинг, ўзинг буюрдинг. [Пулини] Тўлайбер!* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

6 *Олло(ҳ), худо, эгам, парвардигор* каби сўзлар билан бирга қўлланиб, «вафот қилди, ўлди» деган маънони англатади. *Олло Фаррухни ўз даргоҳига чақириб олибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

7 Қичқирмоқ, товуш чиқариб хабар бермоқ. *Гудок чақирди.* ▬ *Бу орада яна бир хўроз чақириб ўтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 *кўчма* Пировардида бирор натижага олиб келмоқ; келтириб чиқармоқ. *Уйқу касал чақирар.* Мақол. ▬ *Ортиқча кулги йиғи чақиради.* Газетадан. *Тут тепасида бир қарға бўйнини чўзиб, жон-жаҳди билан қағиллаб, қор чақирарди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

Эшигини чақирмоқ Бировнинг эшигини қоқмоқ, тақиллатмоқ.

ЧАҚИРТИКАН *айн.* **чақиртиканак 2.** *Дўст орттираман десанг, ширин суҳбат қил, Душман орттираман десанг, чақиртикан бўл.* Мақол. ▬ *Севишганлар – қизил гул билан оқ гул ўртасига тушган чақиртикан ким экан?* Мирмуҳсин, Умид.

ЧАҚИРТИКАНАК 1 *бот.* Пояси ер бағирлаб ўсадиган ёввойи ўт ва унинг юлдузча шаклли тикани. *Умид янтоқ, чақиртиканаклар ёнида чўнқайиб ўтириб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Бировнинг йўлига тўғоноқ бўлувчи, унга зарар етказувчи. *Энди қарасам, ўзим ҳам чақиртиканак эканман, Ғозиддин Қобулов мени юлиб ташлашга ҳаракат қилган сайин, унинг қўлини қоната бошладим.* О. Мухторов, Эгилган, бош.

ЧАҚИРТИРИҚ Биров орқали чақириқ. *Ҳасанали бу чақиртириқдан бир нарса ҳам сезмаган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАҚИРУВ 1 Чақирмоқ фл. ҳар. н.

2: чақирув қоғози *айн.* **чақириқ қоғози** *қ.* **чақириқ.** *Назира Жалилованинг ўттиз нафар курсдоши имтиҳондан чиқибоқ, чақирув

қоғози билан фронтга жўнаб кетишди. «Саодат». *Раис, сизга рухсат, судда ҳам бир-икки марта безовта қилишади. Чақирув қоғози олишингиз билан албатта келишингиз керак.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧАҚИЧ *шв. айн.* Сақич. *-Буви, қутингизда битта ҳам чақич қолмадими? — деб сўради бола.* «Ёшлик.

ЧАҚИШМОҚ 1 Чақмоқ V фл. бирг. н. *Меҳмонлар писта чақишиб, гаплашиб ўтиришибди.*

2 *даҒл.* Жипслашиб, қапишиб қолмоқ (итлар ҳақида).

ЧАҚИҚ Бировнинг устидан етказилган махфий маълумот, хабар; туҳмат. *Бойларнинг чақиғи билан Йўлчининг иши оғирлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАҚМАЧАҚАР *с.т. қ.* **чақимчи**. *Акамнинг ўрнида бўлганимда, чақмачақар синглимнинг юзини бир уриб, қизартириб қўйган бўлардим.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧАҚМОҚ I **1** Атмосферавий электр заряди; яшин. *Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақмоқ бўлишдан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзалдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Чақмоқ чақди Чақмоқ ялт этиб кўринди. *Мана чақмоқ чақди ногаҳон, Зимистон тун чоки сўкилар.* Р. Парфи. *Гулдур этиб, булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.* Ҳамза.

2 *кўчма* Ўт, учқун. *Қизнинг шаҳло кўзида нафрат чақмоғи ялт этиб ёнди-ю, ўчди.* «Ёшлик».

ЧАҚМОҚ II Ўт олдириш асбоби. *Тоҳир шивирлаб сўради: -Чақмоқ билан тутантириқни ҳам олдингми?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Папирос чекиш учун олиб юрган чақмоғидан бошқа ёруғ берадиган бир нарса йўқ.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

Чақмоқ мўйлов Қоп-қора, хушбичим мўйлов. *Чақмоқ мўйловини бураб, дўпписига райҳон қистирган Икромжон.. ғўза қатор ораларига кириб кетди.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

ЧАҚМОҚ III: **чақмоқ телпак** Тепаси духобадан, жияги тулки, сувсар ёки қундуз мўйнасидан тикилган қимматбаҳо телпак. *Хомтама бўлма, сенинг кавушингга улар зор эмас, мўйнадўзлар тиккан чақмоқ телпакларни ҳам бошларига урмайдилар.* М. Осим, Элчилар. *Шунда эшикдан гимнастёрка, галифе шим ва чақмоқ телпак кийган бир йигит энгашиб кирди.* «Ёшлик».

ЧАҚМОҚ IV: **чақмоқ қанд** Тўртбурчак шаклли қанднинг ҳар бир бўлаги. *Кимёгар янги бир зарра кашф этса, Бу ижод боиси бўлган, ҳойнаҳой, Столнинг четига сиз қўйиб кетган Бир чақмоқ қанд билан бир пиёла чой.* Э. Воҳидов.

ЧАҚМОҚ V **1** *с.т.* Писта, бодом, ёнғоқ ва ш.к. қаттиқ пўчоқли меваларни ёки баъзи ҳўл меваларнинг данакларини тишлаб ёки бирор нарса билан уриб ёрмоқ. *Абдишукур бодом-писта чақиб, аччиқ чой ичиб, яйраб ўтирарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Зарар қилғай данакни тишда чақмоқ.* Ҳабибий. *Бола ёнғоқни чақиш учун атрофига кўз югуртириб, тош қидирди.* «Ёшлик».

2 Қаттиқ нарсани синдириб майдаламоқ, бўлак-бўлак қилмоқ; ушатмоқ. *Тош чаққан, цемент қорган ҳам ўзим..* Миртемир. *Оппон қиррали стакан лабига тухум уриб чақдида.. яхшилаб арчиб, лунжига солди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 Бир-бирига уриб, суртиб, олов чиқармоқ; ёндирмоқ. *Гугурт чаққандим, кўзим тўрдаги ёғоч сандиққа тушди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Баратов.. папирос олиб, гугурт чақди.* С. Зуннунова, Янги директор.

4 *кўчма* Чақа қилмоқ (*қ.* **чақа** II **1**). *Яланг оёқ юриб кўрсам, шағал бармоқларимни чақиб ташлади.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

5 *кўчма* Чарчатмоқ, уринтирмоқ. *-Бугун лойда ишлайсан. Қорнингни тўқламасанг, лой чақади, — деди [Йигитали].* Т. Малик, Ажаб дунё. *Элчи Муҳаммадалини йўл чақиб қўйган, бир неча кундан бери ўз меҳмонхонасида дам олиб ётар эди.* М. Осим, Элчилар.

6 *кўчма* Мазмун-моҳиятини англамоқ; ечимини топмоқ. *Иборалар кўп, ибораларнинг маънолари ҳам кўп, ҳар бирини чақиш керакки, кейин қўлингда фонус бўлиб, йўлингни ёритади.* М. М. Дўст, Лолазор. *[Ҳафиз] Алёхиннинг этюдларини ёнғоқдай чақиб ташларди, қурғур.* А. Мухтор, Туғилиш.

Мағзини чақмоқ *қ.* **мағиз** I **3.** *Чакки бўлибди, жиян. Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Мана бу гапнинг мағзини чақ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Пулга чақмоқ** Қийматини пул билан белгиламоқ, ўлчамоқ. *Ҳосилни пулга чақиб кўрсам, катта фойда*

олишим аниқ бўлиб қолди. «Ёшлик». *Ҳамма нарсани пулга чақиб гаплашадиган савдогарнамо Суръатнинг хатти-ҳаракатлари доимо Умиднинг жинини қўзғар, «нега бунақасан?» дерди баъзан у.* Мирмуҳсин, Умид.

ЧАҚМОҚ VI **1** Тишлаб ёки найзасини санчиб жароҳатламоқ, оғритмоқ ёки заҳар солмоқ (илон, чаён, ари каби газандалар, чумоли, бурга, чивин каби ҳашаротлар ҳақида). *Маълумки, Ҳиндистонда илон чақишидан ҳар йили минглаб киши ҳалок бўлади.* «Фан ва турмуш». *Бир марта чаён чақиб олувди, ҳозир ўша эсимга тушиб кетди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Оёғини чақаётган чумолини ушлаб, кўздан кечирди.* «Ёшлик».

Пули чақади Нархи жуда оғирлик, қимматлик қилади. *Ўзи ёқади, пули чақади.* Мақол.

2 *кўчма* Аччиқ гаплар айтмоқ, заҳрини сочмоқ. *-Қандай қилай, ўлиб бўлдим, — деди она кўзидан ёш оқиб, — отанг ўлгур чақаман дейди.* Ойбек, Нур қидириб. *Вақт ўтган сари онанинг гумонлари асоссиз ишончга айлана борди, у заҳарли киноялар билан куёвини чақиб ола бошлади.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

3 *кўчма* Чақимчилик қилмоқ, гап ташиб, ғийбат қилмоқ. *..у ўзи ишламагани ишламаган, кишилар ҳақига хиёнат қилмоқда. Яна.. бизни амирзодага чақади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ким сизга шундай деб чаққан бўлса, бекор айтибди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЧАҚМОҚДАЙ, -дек 1 Чақмоқ каби, чақмоққа ўхшаб. *У Жумабойнинг туркига, қўлида чақмоқдай яraқлаётган камар тўқасига қараб туриб, юрагини ваҳима босди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 *кўчма* Қоп-қора; чиройли. *Тўламат чақмоқдай мўйловини аста силаб қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Топ-тоза; тартибли кийинган; ясанган. *Чақмоқдай қиз. Чақмоқдай энгилбоши ўзига ярашган эди.*

ЧАҚМОҚИ: чақмоқи телпак *айн.* **чақмоқ телпак** *қ.* **чақмоқ** III. *-Ҳаммомга ўт қаловчи — гўлахликни ўргансанг, эртаю кеч ўт олдидан жилмайсан, гуппи билан чақмоқи телпакнинг ҳам кераги бўлмайди, — деди Шум бола Омонга.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧАҚМОҚЛАМОҚ 1 Синдирмоқ, ушатмоқ, бўлак-бўлак қилмоқ, чақмоқ (қанд, тош ва ш. к. ни). *Қандни чақмоқламоқ.*

2 Қовун-тарвузнинг ширинлигини, мазасини билиш учун озгина кесиб олмоқ. *Тарвузнинг яхши-ёмонлигини баъзилар чертиб билади, баъзилар чақмоқлаб билади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЧАҚМОҚТОШ Бир-бирига ёки темир парчасига урганда ўт чиқарадиган қаттиқ тош. *Қолдирмиш у сенга қора кун учун Бир чимдим туз билан бир жуфт чақмоқтош.* А. Орипов. *[Зулфизар билан Авазхон] Иккови отидан тушиб, даланинг хас-хашагидан йиғиб, чақмоқтош уриб, олов чиқариб.. ёндириб юборди.* «Зулфизар билан Авазхон».

ЧАҚНАМОҚ 1 Ёрқин нур, олов учқунлари сочмоқ. *Заргаров саҳрода яшин чақнаган тунларни яхши кўрар.. эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Қуёш дам булут орасига кириб, дам кескин ялтираб чақнарди.* Ойбек, Навоий.

2 Ярқирамоқ, ялт-ялт этиб товланмоқ; ялтирамоқ. *..худди шу пайт Муқаддас ҳам қаради-да, садаф тишларини чақнатиб, бир кулди.* О. Ёқубов, Муқаддас. *Кўзлари ҳамон кулгидан чақнаб турарди.* «Саодат». *Чўққиларнинг қил учи худди қилич дамидек чақнаб турибди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 Ёришмоқ, ёп-ёруғ бўлмоқ. *У [Комил] тўғри уйга кириб.. электрни ёқиб юборди. Ясоғлиқ хона чақнаб кетди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Туйнукдан нур тушиб, хонанинг бир бурчи чақнаб кетди.* «Ёшлик».

4 Акс этмоқ; намоён бўлмоқ, ифодаланмоқ, билинмоқ (нигоҳ, кўз қарашга нисбатан). *Нигоҳида нафрат чақнаб, беихтиёр кафтини пешонасига босди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Олазарак кўзларида фақат ташвиш ва ҳадик чақнарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

5 *кўчма* Яшнамоқ, гул-гул очилмоқ; ёш ва чиройли кўринишга эга бўлмоқ. *..Скамейкада ўтирган она ҳали замон қизининг чақнаб, тоғ кийигидек ўйноқлаб чиқишини кутарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Чақнаб юрган чоғи юзлари нақш олмадай бўлиб турар, энди.. ўзини ёшлигидагидай кўргиси келар.. эди.* «Ёшлик». *Шу қиёфада [Қобул Комилович] хушқад йигитлардай чақнаб кўринарди кўзга.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

6 *кўчма* Жўш урмоқ, туғёнга келмоқ. *Юрагингда чақнасин фақат Ёруғ хаёл, самовий ўтлар.* А. Орипов.

Оёғидан ўт чақнамоқ Шахдам, эпчил, абжир бўлмоқ. *Йигит деган арғумоқдай ўйноқлаб, оёғидан ўт чақнатиб юриши керак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Туёғидан ўт чақнамоқ (**от, тойга нисбатан**)**. Тез ва енгил чопадиган; учқур. *Уч ёшга кирганида, [Қора Жайрон] булутга сакрайдиган, туёғидан ўт чақнайдиган от бўлди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧАҚНОҚ Ярқироқ; нурли, ёрқин. *Гўё чақноқ юлдуз пайдо бўлди-ю, Фикрдай йилт этиб кечди самодан.* Х. Даврон. *Ёш дўстим, сенга қараб туриб ҳавасим келади: юзларингда ёшликка хос таровват, кўзларингда чақноқ нур.* Газетадан.

ЧАҚОНҒИЧ *шв.* Чаёнўт.

ЧАҚУВ *айн.* **чақиқ.** *Эҳтимол, орага бирон шубҳа ёки чақув тушиб, ўғлимизни ҳибс қилгандирлар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЧАҚЧА *шв.* Носқовоқ. *Белида ханжар бор, чақчада нос бор.* Миртемир.

ЧАҚЧАЙМА Чақчайган, катта очилган (кўз ҳақида). *Чақчайма кўз.*

ЧАҚЧАЙМОҚ 1 Кўзини катта очиб, ола-кула қилиб қарамоқ; бақраймоқ. *Чақчайиб турган Шамси: -Э, сизнинг нима ишингиз бор, ишингиз бўлмасин! — деган эди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 Катта очилмоқ (кўз ҳақида). *Бувимнинг кўзлари чақчайиб, соққадай думалоқ бўлиб кетди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Чақчайма, Адолат! Чақчайган кўзларинг эримнинг бошини еди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЧАҚЧАҚ Хурсандчилик, хушчақчақлик билан қилинган суҳбат; ҳангама. *Болаларнинг қизир суҳбат, чақчақи.* Қ. Муҳаммадий. *Супаларга, сўриларга тўшалган шолча, гиламларда одамлар чақчақи тинмайди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

Чақчақ уриб 1) баланд, ёқимли овоз чиқариб. *Булбуллар сайрар, какликлар чақчақ уриб, ҳар қуш бир турда сайраб турибди.* «Нурали»; 2) хушчақчақ, хурсанд бўлиб. *Ҳамиша кулиб, чақчақ уриб юрадиган дилкаш одам эди у.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ЧАҚЧАҚЛАМОҚ Баланд овоз, кўтаринки кайфият, хушчақчақлик билан гапирмоқ, кулмоқ. *Тинмай жавраб, чақчақлаб турган Светлана бирдан бўшашиб тушди, хомуш бўлиб қолди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЧАҚЧАҚЛАШМОҚ Хушчақчақлик билан вақт ўтказмоқ, суҳбатлашмоқ. *Кунига биз билан чақчақлашиб, биз билан чой ичадиган Султон амаки бўлса индамай ўтирибди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Табибий билан Аваз чақчақлашиб, тўйхонага кириб келдилар.* С. Сиёев, Аваз.

ЧАҚЧАҚЛИК *кам қўлл.* Хурсандчилик, хушчақчақлик. *Замоналининг чеҳрасидаги бояги чақчақлик йўқолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ЧАҚ-ЧУҚ *тақл.с.* Металл ёки металлдан қилинган асбобларнинг бирор нарсага урилиши натижасида чиқадиган овозини билдиради. *Темирчининг «чақ-чуқ» сасига, Бир куни денг, ишхонасига Кирди ўйнаб талай болалар.* С. Очил. *Тарс-турс, чақ-чуқ этган товушлар чиқиб, юқори кўтарилган кетмонларнинг йилтироқ сиртига тўқинган қуёш нури ялт-юлт чақнаб турарди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЧАққОН 1 *сфт.* Эпчиллик билан ҳаракат қиладиган; чапдаст. *Бургут — анча йирик, чаққон ва кучли қуш.* «Фан ва турмуш». *Қўшнисининг чаққон қизини кўз остига олиб қўйган эди.* «Ёшлик».

2 *рвш.* Тез, эпчиллик билан. *У чаққон кийина бошлади.* «Ёшлик». *Қизил чувакларi билан юмшоқ босиб, чаққон елиб хизмат қилмаса, ўзини қаёққа қўйишни билмай қолади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

Бозори чаққон *қ.* **бозор 2. Оёқ-қўли (***ёки* **қўл-оёғи) чаққон** Жуда чаққон; эпчил. *Оқ халатли юмалоқ ошпазнинг оёқ-қўли чаққон.* «Шарқ юлдузи». *Оқ сочли гапга чечан десам, қўл-оёғи ҳам чаққонгина бир киши экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Тили чаққон** Юз-хотир қилмасдан шартта гапирадиган; шартаки. *Зумраднинг қўли ҳам, тили ҳам чаққон эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЧАққОНЛАШМОҚ Ҳаракати тезлашмоқ, жадаллашмоқ. *Заргарнинг эса оёқ-қўллари чаққонлашиб, кайфи чоғ бўлиб қолганидан, Тўранинг унга ёқиб қолганини пайқаш қийин эмас эди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Кампир.. борган сари қўллари қовушиб, чаққонлашиб кетди.* Газетадан.

ЧАққОНЛИК Тез ҳаракат қилишлик; эпчиллик; чапдастлик. *-Э, қани чиқинг,*

домла, — Илҳом чаққонлик билан кабина эшигини каттароқ очди. — Марҳамат! Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳалиги барваста одам ўгирилиб, ўзига ярашмаган чаққонлик билан унга интилди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧАҒАЛАЙ Кўлларда яшовчи ёввойи қушларнинг бир тури. *Мовий кўллар узра сузса чағалай, Адирларда кезса оққув галалар.* А. Орипов. *Оққушларми, чағалайлармми, денгизга тўш уриб, яна шодон кўтарилди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧАҒДАВУЛ, чангдовул [*мўғ.* чагдуул] **1** *эск. тар.* Чингизийлар, темурийлар армиясида қўшиннинг орт — арьергард қисми.

2 Қўшиннинг орт қисми қўмондони.

ЧАҒИЛЛАМОҚ *айн.* **чағирламоқ.**

ЧАҒИР I *эск. айн.* **чоғир.** *Эл қонидан ичишар чағир, Бари бирдай ўғри, муттаҳам.* Миртемир.

ЧАҒИР II Ола-була, кулранг. *Баширжон чағир кўзли шофёрга зимдан қараб-қараб қўяр.. эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Севаргул жилмайибгина онасининг.. чағир кўзларига тикиларкан, беихтиёр кўнглидан шу фикр ўтди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ЧАҒИР III *айн.* **чақир.** *Чағир тошлар товонимдан тишлаб олган, Қўлларимдан кийикчалар ушлаб олган.* М. Юсуф. *Олис, чағир тошли йўллардан Отда елиб ўтамиз бирга.* Х. Даврон.

ЧАҒИРЛАМОҚ «Чағ-чуғ» овоз чиқармоқ, чуғурлашмоқ (зағча, қарға каби қушлар ҳақида).

ЧАҒИРЛАШМОҚ 1 Чағирламоқ фл. бирг. н.

2 *кўчма* Шовқин солиб, бири олиб-бири қўйиб гаплашмоқ, чувурлашмоқ.

ЧАҒИР-ЧУҒУР *тақл. с.* **1** Қушларнинг баравар сайрашидан, чуғурлашидан чиқадиган бетартиб овозни билдиради. *Аллақаердан учиб келган қушларнинг чағир-чуғур сайрашигина эшитилади.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 *кўчма* Бетартиб, бақириб-чақириб сўзлашиш, олағовур суҳбат. *[Бой:] Ҳой, ичкари кир, чағир-чуғурдан қулоғим битди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уларнинг чағир-чуғур аралаш қаҳқаҳалари ҳовлини янгратди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАҒИРҚАНОТ Ўрдаклар кенжа оиласига мансуб бир турли ёввойи ўрдак.

ЧАҒРАК Туркий этник гуруҳ. *Тахмин қилинишича, чағраклар қипчоқ қабилаларидан бири бўлиб, 11—12-асрларда Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларига келиб ўрнашиб қолган.* «ЎзМЭ».

ЧАҒ-ЧАҒ *тақл. с.* Зағча, қарға сингари қушларнинг овозини билдиради. *Баъзан чағ-чағ этади бирдан Зағчалар ҳам топгандек висол.* Газетадан.

ЧАҒЧАҒЛАМОҚ «Чағ-чағ» овоз чиқармоқ, сайрамоқ. *Ёнимдан чағчағлаб ўтган эй тўрғай, Севинчимни куйлаб уч яна баланд.* Ҳ. Пўлат. *Бутун дунёнинг булбули шу ерларга йиғилиб келгандай, ҳар шохда чағчағлайди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЧАҒ-ЧУҒ *айн.* **чағ-чағ.** *Қора қарғаларнинг кузда тўда-тўда бўлиб далалардан қайтиш пайтларидаги қаттиқ чағ-чуғлари диққатни жалб этади.* Газетадан.

ЧЕВАР 1 Кийим-бош ёки кашта тикишга уста аёл, моҳир тикувчи. *Мана шу чевар қизлар харидоргир маҳсулот тайёрлашади.* «Саодат».

2 *кўчма* Ўз ишининг моҳири, устаси; уддабуро. *Пахталар ватанининг асл чевари — Пахта даласининг қиз-жувонлари.* Ғ. Ғулом.

ЧЕВАРА Эваранинг фарзанди — ўғли ёки қизи (катта бобога, бувига нисбатан). *Бу йигит бир вақтлар унинг чевараси Темир билан қалин ўртоқ эди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ЧЕВАРЛИК 1 Кийим-бош тикишга моҳирлик. *Қизлар чеварликни иштиёқ билан ўрганмоқдалар.* Газетадан.

2 Моҳирлик, уддабуронлик. *Унинг [Жамиланинг] озодалиги, ҳусн-жамоли, пазанда, чеварлиги ҳамманинг оғзига тушиб кетган.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ЧЕВРИЛМОҚ Айланмоқ. *Москвадан самолёт Тошкентга етиб, Лолалар устида чеврилар эди.* Ғ. Ғулом. *Ҳамманинг армони — соғайсин қўшиқ, Заррин қанотида чеврилсин осмон.* А. Орипов.

ЧЕГА 1 Чинни асбобларнинг синиғини улаш учун ишлатиладиган, иккала учи қайрилган металл михча. *Чега тушган коса. Тиришганнинг тўқмоғи тошга чега қоқади.* Мақол.

2 Идишларнинг шундай михчалар билан уланган, чегаланган ери. *Пиёланинг чегасидан сув сирқияпти.*

3 Ёғоч мих.

ЧЕГАЛАМОҚ Синган чинни идиш-асбобларни чега билан уламоқ, бутунламоқ. *Пиёлани чегалаган билан бари бир изи билиниб туради.* «Шарқ юлдузи». *Шу лаҳзада Қамчинбекнинг кўзи чегаланган бир чойнакка тушиб қолди.* Мирмуҳсин, Супургига сажда.

ЧЕГАНА *шв. айн.* **чакана 3.**

ЧЕГАРА 1 Бир-бирига қўшни, ёндош бўлган вилоят, туман, ҳудуд орасидаги ҳад, бўлиниш, ажралиш чизиғи. *Энди Қорабулоқ чегарасидаги довондан ўтиб олишса, у ёғи осон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қўшни давлатларнинг сувдаги ва қуруқликдаги ҳудудини, доирасини кўрсатувчи чизиқ. *Давлат чегараси. Чегара соқчиси.* ▬ *Қаландарлар чегарадаги назорат пунктидан хат-ҳужжатларини кўрсатиб, Туркистон тупроғига ўтишди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Охир, ниҳоя, поён. *Чўлнинг чегараси йўқдек..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 *кўчма* Чек, меъёр; ўлчов; доира. *Одоб чегараси.* ▬ *Аммо у сабр-бардошнинг ҳам чегараси борлигини аллақачон билиб олган..* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Бу газандалар ваҳшийлигининг чегараси йўқ экан-да!* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Чегарадан чиқмоқ Бирор хатти-ҳаракатда меъёрга риоя қилмаслик. *Ҳей, Нишопурий! Чегарадан чиқиб кетяпсиз! [деди Бадиа].* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЧЕГАРАДОШ Умумий чегарага эга бўлган, ёнма-ён жойлашган; қўшни. *Чегарадош давлатлар.* ▬ *Колхоз катта, бу ёғи кончилар шаҳри Кенсойга чегарадош.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Мирзакаримбой.. одамларнинг ерларини — агар уларнинг ерлари ўз ерларига чегарадош бўлса — ўзиникига қўшиш учун.. ҳар қандай номус ва адолатнинг бетига тупурар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧЕГАРАЛАМОҚ 1 Икки орани, чегарани белгиламоқ; чегара билан ажратмоқ. *Давлатларни чегараламоқ.*

2 *кўчма* Белгили талаб, ўлчов, меъёр ва ш.к. билан чекламоқ. чек қўймоқ. *Ҳақ-ҳуқуқини чегараламоқ. Таъсир доирасини чегараламоқ.* ▬ *Жумладан, комедиядаги айрим ортиқча кўринишлар билан ташбеҳ, ҳолат ва элементлар чегаралаб ташланган.* Газетадан.

ЧЕГАРАЛИ 1 Белгили чегара билан ўралган, чегараси бўлган, маълум чегара доирасидаги.

2 *кўчма* Маълум талаб, ўлчов, меъёр ва ш.к. билан чекланган; чекли, ўлчовли; ҳисобли. *Николиннинг қалбини янги бир қўрқинч таталарди: ўқ-дори, озиқ-овқат унда чегарали эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЧЕГАРАСИЗ 1 Белгили чегараси йўқ, маълум чегара билан ажратилмаган.

2 *кўчма* Чекланмаган, ҳеч қандай чек, чегара қўйилмаган ёки қўйиб бўлмайдиган, чеки, чек-чегараси йўқ; чексиз, битмас-туганмас, бениҳоя. *Чегарасиз хаёллар.* ▬ *Қизнинг орзулари чегарасиз эди.* «Ёшлик».

ЧЕГАРАЧИ Давлат чегараларини муҳофаза қилувчи ҳарбий хизматчи; чегара хизматчиси, соқчиси. *Менинг ёрим чегарачи — ёвга йўл бермас.* «Қўшиқлар».

ЧЕГАЧИ Синган чинни, сопол идишларни чегаловчи, чега қилувчи. *Эски Жўвада ҳангама кўп. Бир томонда синиқ чиннилар ямоқчиси — чегачилар ғув-ғуви авжида.* Ойбек, Болалик.

ЧЕГИРМА Бирор миқдордаги пул, маблағ, нарса ва ш.к. дан чегириб олинган қисм, ҳисса.

ЧЕГИРМОҚ Бирор миқдордаги пул, маблағ, нарса ва ш.к. дан маълум қисмни чиқариб ташламоқ; ушлаб, тутиб қолмоқ. *Иш ҳақидан қарзини чегирмоқ. Оғирлигидан намлик учун 5% чегирмоқ.* ▬ *Иш ҳақингиздан чегириб қолинади, деб огоҳлантиришди.* Газетадан.

ЧЕК I **1** Давомли нарса ёки ҳодисаларнинг энг сўнгги чегараси, охири, ниҳояси, поёни. *Йўлнинг чеки. Чеки йўқ дашт. Чек нуқта. Чек йўл.* ▬ *Ўз ерининг чекларига босиб тикан..* Ғ. Ғулом.

2 *кўчма* Йўл қўйилиши мумкин бўлган чегара; меъёр. *Ҳар нарсанинг чеки бор. Чекдан чиқмоқ. Доноликнинг чеки йўқ.* Мақол. ▬ *Қуролланишга тезроқ чек қўйиш лозим.* Газетадан. *У даҳшатли хаёлларга чек қўйиб, дарҳол институтга отлана бошлади.* Газетадан.

ЧЕК II [*ф.* چک — қозининг ҳукми, қарори] **1** Ҳисса, улуш. *Ўз чекини олмоқ.*

2 Зимма; мажбурият. *Сиздан яширадиган сир йўқ, тўйнинг нони менинг чекимга тушган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Шу йилларда онанинг ҳолидан хабар олиш Тожихон опаларнинг чекига тушган.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

3 Тақдир, қисмат, пешона. *Чекингга тушса, чекчайма.* Мақол.

Чек ташламоқ Қуръа ташламоқ, қуръа ташлаб бахт синамоқ, ўз чекига тушганини аниқламоқ.

ЧЕК III [*ингл.* check < *ф.* چک – пул муомаласига доир ҳужжат, шартнома; вексель] *мл.* Маълум юридик шахснинг жорий ҳисоб рақамидан муайян миқдордаги пулни бериш ёки ўтказиш ҳақидаги ёзма фармойишдан иборат махсус ҳужжат. *Чек билан пул олмоқ.*

2 Касса томонидан бериладиган, товар учун тўланган сумма кўрсатилган талон, шунингдек, тўланиши лозим бўлган сумма кўрсатилган ва кассага тақдим этиладиган квитанция. *Сотувчининг қўли-қўлига тегмас, чек олиб, одамларга сут, кефир берарди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

ЧЕК IV **1** *қ.х.* Шоли экиш учун текисланиб, марзалар билан ажратилган ер, дала участкаси. *Шаҳардан чиқиб, катта-кичик қишлоқларни, майда-йирик чекларни кесиб ўтган чанг-тупроқ йўлда.. Ҳожи хола ёшгина жувон билан.. боради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шахсий уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдони ва шу ерга қурилган уй-жойнинг ўзи.

ЧЕКА *с.т.* Чет, чекка. *Чекага чиқ!* ▬ *[Командир] Бир чекадан пулемётга чақирди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЧЕКА [*р.* «Чрезвычайная комиссия» (фавқулодда комиссия) бирикмаси қисқартмаси (ЧК)нинг ўқилиши] *тар.* Шўро даврида 1918–1922 йилларда мавжуд бўлган «Аксилинқилоб ва саботажга қарши кураш бўйича Бутунроссия фавқулодда комиссияси»нинг қисқарган номи. *[Муҳаррир:] Ахборингиз учун Чека ўша вақтларда боқимсиз болалар устидан ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЧЕКАНКА [*р.* чеканка] *қ.х.* Ғўзанинг, узумнинг юқори шохларини ёки юқори шох учларини қирқиш, узиш, чилпиш. *Ҳосил тугиш даврида ғўзани чеканка қилиш муҳим агротехник талаблардан ҳисобланади.* Газетадан. *Илгари чопиқ, яганаю чеканка ҳам ўқувчиларсиз битмас эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЧЕКАНКАЧИ Ғўзани чеканка қилувчи мутахассис деҳқон.

ЧЕКИМ Бир марта чекиладиган, бир чекишга етарли, бир чекишли. *Бир чеким нос.* ▬ *Турдибой ундан бир чеким нос олиб, чекмоқчи бўлиб, бурнининг яқинига келтириб, Элмуродга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧЕКИМЛИК Чекиладиган нарса (махорка, папирос, сигарета, наша ва ш.к.).

ЧЕКИНДИ Чекиб ташланган ёки чекиб тамомланмаган папирос, сигарета ва ш.к. қолдиғи. *Гугурт чўпи ва махорка чекиндиларига диққат билан қаради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЧЕКИНИШ Чекинмоқ фл. ҳар. н. *Ниҳоят, ярим кечага борганда, душман тамом ҳолдан тойиб, чекинишга мажбур бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Лирик чекиниш *ад.* Бирор мақсадда асосий мавзудан четга чиқилган, муаллиф ҳистуйғулари ифодаланган лирик парча.

ЧЕКИНМОҚ 1 Орқага тисарилмоқ, тисланмоқ. *Директор ранги ўчиб, сал орқага чекинди.* «Шарқ юлдузи». *Ўсар бухгалтер, тумшуғини ари уясига тиқиб олган айиқдай, ортига чекинди.* А. Кўчимов, Халқа. *Хотин ноз билан чекинди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *ҳарб.* Душман ҳужуми натижасида илгариги позицияларни ташлаб, орқага кетишга мажбур бўлмоқ, орқага жилмоқ. *Душман тепадан жанг билан чекинаркан, муаллим яна ҳаммадан олдинда ўтга кириб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Асирни дарҳол сўроққа тутдик. У чекиниш вақтида қуршовда қолган артиллериячилардан экан.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *кўчма* Қайтмоқ, воз кечмоқ. *Ойқиз ҳам ўз фикридан асло чекинмай, қатъий тураверди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *кўчма* Ўтмоқ, тугамоқ. *Қишнинг сўнгги кунлари аста-секин чекинмоқда эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 *кўчма* Йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ. *Орқага чекинар ним қоронғилик.* Х. Даврон. *Ойнинг хира ёғдуси чекинди.* «Ёшлик».

6 *кўчма* Четга чиқмоқ. *Қоидадан чекинмоқ.*

ЧЕКИСТ [*р.* чекист] Чека ходими, аъзоси. *Тошкентда менга учра. Сени шогирд қилиб оламан. Чекист бўласан. Хўпми?* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЧЕКИШ 1 Чекмоқ II фл. ҳар. н. *У чекишнинг ҳам машқини олган эди.* Мирмуҳсин, Умид. *У [Думбул Ғани] аллақандай ютоқиб, шошиб, чекишни қўмсаб, гугурт чақиш-*

га уринар, лекин қўллари қалтираб, ҳадеганда уддасидан чиқа олмасди. М. Мансуров, Ёмби.

2 Сигарета; истеъмол қилинувчи наркотик модда. *..йигитча икки оғайниси билан муюлишда турарди. У яна чекиш сўради.* «Ёшлик».

ЧЕККА Нарсаларнинг, жойнинг ўрта қисмига, марказига нисбатан энг чети, четки томони; ён, ёқа, қирғоқ, чет. *Айвоннинг четкаси. Йўлнинг четкаси. Четкадаги одам.* ▬ *Йўлнинг четкасида қатор тераклар саф тортган.* Газетадан.

Бир четкадан 1) бирор томондан, бир четдан. *Бир четкадан кимнингдир овози эшитилди;* 2) бир бошдан, батартиб. *Нон ясаб бўлгунча, тандир қизиди. Кейин бир четкадан ёпдим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бир четкаси** 1) бир чети, томони. *..тип-тиниқ осмоннинг бир четкасида бўзарган ой хомуш осилиб қолган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) *крш. с. взф.* Бир ҳисобда; шунингдек. *Ҳакимбойвачча учун Йўлчи синалган, азамат бир малай ва, бир четкаси, қариндош эди ҳам.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧЕККАЛИК Четкага, марказдан чет ерга мансуб. *Четкалик киши.*

Бир четкалик тур Четга чиқиб тур. **Ишлар бир четкалик бўлди** Ишлар бартараф бўлди.

ЧЕКЛАМОҚ Белгили талаб, ўлчов, меъёр ва ш. к. билан чегараламоқ; чегара, чек қўймоқ; чегарасини белгиламоқ, қатъий қилиб қўймоқ. *Вақтни чекламоқ.* ▬ *Бунинг устига, таржимоннинг луғатини ҳам чеклаш уни бутунлай занжирбанд қилиб қўяр эди.* «ЎТА».

ЧЕКЛАНМОҚ 1 Чекламоқ фл. мажҳ. н. *Харажатлар чекланди. Вақт чекланди.*

2 Чегараланмоқ, кифояланмоқ. *Тошкент тиббиёт институти шифокор мутахассислар етиштиришнинг ўзи билан чекланмайди.* «Гулистон».

ЧЕКЛИ 1 Чеки, охири, поёни бўлган. *Чекли фазо. Чекли миқдор (мат).*

2 Чеклаб қўйилган, ўлчовли, ҳисобли. *Чекли вақт. Чекли маблағ.*

ЧЕКМОҚ I *эск.* Тортмоқ, урмоқ. *Тиғ чекмоқ.* ▬ *Армон билан билмаганни билдирар, Ханжар чекиб, қора бағринг тилдирар.* «Кунтуғмиш».

ЧЕКМОҚ II Бошдан кечирмоқ, руҳан ёки жисман ҳис қилмоқ. *Азоб чекмоқ. Машаққатлар чекмоқ.* ▬ *..фоний дунё азобуқубатларини кўп чеккан банда боқий дунё роҳатини кўради.* Мирмуҳсин, Мемор.

Жон чекмоқ Астойдил, жонини жабборга бериб ишламоқ, ҳаракат қилмоқ. *Меъморнинг дашт офтобида сардоба қуриб бераман, деб жон чекиб юрганини кўраётган шогирдлари устодга ачинишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Оҳ (***ёки* **нола, фарёд, ёҳу) чекмоқ** Чуқур қайғуриб, изтироб билан йиғламоқ; оҳ тортмоқ. *Оҳлар чекиб ҳар дам кундуз, Жўраси йўқ ўзи ёлғиз.* «Баҳром ва Гуландом». *Қобил Комиловичнинг ўзи эса айвон устунига дам-бадам бошини уриб, нола чекарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёҳу, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан..* А. Орипов,

ЧЕКМОҚ III **1** Истеъмол қилмоқ. *Сигарет чекмоқ. Чилим чекмоқ.* ▬ *Орамизда беш киши махорка чекади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мен ҳам уни кўтараётганимда, шундай ачимсиқ ҳид димоғимни ёриб юборай деганди, наша чекканига иқрор бўлдим.* Газетадан. *У айвон четкасида сигарет чекиб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Санчиб, куйдириб, босиб тасвир, нақш, безак ҳосил қилмоқ, безамоқ. *Эгнида тўқ кўк шевиотдан костюм, ёқаларига гул чекилган оч пушти блузка.* Ойдин, Суҳбати жонон.

Имзо чекмоқ Қўл қўймоқ. *Сафо Авезов ўнг қўли билан актга имзо чекди.* «Муштум».

ЧЕКСИЗ 1 Чеки, чегараси, охири, поёни йўқ; поёнсиз, бепоён. *Чексиз фазо. Чексиз пахта далалари. Чексиз миқдор (мат.).* ▬ *Бир оздан кейин Қумри чексиз даштга ишора қилди.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.

2 *кўчма* Чекланмаган, жуда катта; битмас-туганмас; бениҳоя; чуқур. *Чексиз садоқат. Чексиз имкониятлар.* ▬ *Бузрук эшоннинг Ҳамзага нисбатан адовати чексиз эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Мен чексиз ҳайрат ва диққат билан Ҳилолага тикилдим.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *[Аянинг] Дардли кўзларида чексиз алам, лабларида унсиз таъна.* О. Ёқубов, Диёнат.

ЧЕКСИЗЛИК 1 Чексиз бўлишлик, бепоёнлик. *Осмоннинг чексизлиги. Садоқатнинг чексизлиги.*

2 *мат.* Чексиз миқдор. *Чексизликка интилувчи сон.*

ЧЕКЧАЙМОҚ *шв.* Чақчаймоқ; бақраймоқ. *Чекинга тушса чекчайма.* Мақол. ▬ *Илгари кийик билан кучук бир-бирларидан қўрқар, бир-бирларига яқин келолмай, чекчайиб туришарди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ЧЕЛ *шв.* Экин майдонлари, ер пол (тахта)лари орасидаги чегара; уват. *Резина этикли киши эрталабдан буён дала айланиб, челларни кўздан кечиради.* Газетадан.

ЧЕЛАК Асосан суюқликларни сақлаш, ташиш учун хизмат қиладиган, цилиндр шаклли, ёйсимон бандли идиш; пақир. *Сирли челак. Бир челак сув.* ▬ *Қудуқ бўйида челак тўла сув ва занжирга боғланган мис жом турарди.* С. Айний, Дохунда.

ЧЕЛАКЛАБ *рвш.* Челак билан, челакда. *Челаклаб сув ташимоқ.* ▬ *Қурилишда эса цемент билан қум аралашмалари челаклаб қўлда ташилмоқда.* «Муштум».

Челаклаб қуймоқ 1) челак билан қуймоқ; 2) *кўчма* шаррос қуймоқ, қаттиқ ёғмоқ (кучли ёмғир ҳақида). *Булутларнинг ҳаракати бежо. Ҳали замон тепамиздан челаклаб қуйиб берса ҳам, эҳтимол.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Тунлари челаклаб ёмғир қуяди, эрталаб қарасанг, экин-тикинларингдан номнишон йўқ.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЧЕЛАКЧИ Челак ясайдиган ёки тузатадиган уста.

ЧЕМОДАН *айн.* **чамадон.** *Хотини – Анна иссиқ кийимларни чемоданга жойлади..* Ойдин, Ҳикоялар.

ЧЕМПИОН [*ингл.* champion < *фр.* champion – жангчи; курашчи] Спортнинг бирор тури бўйича шаҳар, вилоят, мамлакат ёки жаҳон биринчилиги учун ўтказилган мусобақа ғолиби бўлган спортчи ёки спорт жамоаси. *Бугун ҳамманинг оғзида бир гап: Рустам Қосимжонов – шахмат бўйича жаҳон чемпиони!* Газетадан.

ЧЕМПИОНАТ [*р.* чемпионат < *ингл.* championship] Чемпион унвонини олиш, чемпионни аниқлаш учун ўтказиладиган мусобақа, беллашув. *Шахмат чемпионати.* ▬ *Футболчиларимиз чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритишди.* Газетадан.

ЧЕН *шв.* Чама, мўлжал; ўлчов. *Ким танимас Кўкан деган колхозчини, Танимаган эслаб кўрсин, етса чени.* Ғ. Ғулом.

ЧЕНА *с.т.* Чана.

ЧЕП *кт. ҳарб.* Турли нарсаларни айқаш-уйқаш босиб, ёвга қарши қурилган тўсиқ. *Чеп қурмоқ.* ▬ *1365 йилда шаҳар зарбдорлари шаҳарни мўғуллардан фақат кўчаларга чеп босиб ҳимоя қилган эдилар.* Я. Ғуломов, Кўҳна тарих излари.

ЧЕР *фольк.* Алам, қайғу; доғ. *Кўп чопилса, отингиздан тер келар, Ёмон гапга юраклардан чер келар.* «Ойсулув». *Юрагида чер эди, Гуркураган эр эди.* «Ҳасанхон».

ЧЕРВОН [*р.* червонец < *пол.* czerwony – тилларанг, қирмизи] *тар.* Собиқ СССРда: 1922–1947 йилларда муомалада бўлган ўн сўмлик пул; давлат кредит билети. *Кампир ҳайрон: бундоқ червонларни Қурбоннинг ичида сақлайдиган чолга нима бало бўлди?* Мирмуҳсин, Бир хумча тилла.

ЧЕРДАК [*т.* < *ф.+ а.* چارطاق – тўрт қиррали гумбаз; ланг очиқ; чордоқ] *қ.* **чордоқ.** *Қўрғоннинг тўрида иккита оқ уйнинг қамиш билан ёпилган чердаги сал-пал кўринади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧЕРЕПИЦА [*р.* череп – бош чаноғи < *санск.* korpara – пўст, қобиқ] *бнк.* Сопол ва цемент-қум қоришмаси, шунингдек, металл, пластмасса каби материаллардан тайёрланадиган, том ёпиш учун ишлатиладиган новли пластинка шаклидаги қурилиш материали. *Сопол черепица. Тунука черепица.* ▬ *Назаров жангчиларни черепица томли пастаккина хата олдида қолдириб, ичкарига кириб кетди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЧЕРЁМУХА [*қад.р.* черема – қорачадан келган, буғдойранг.] Шох-шаббалари кенг, гуллари хушбўй ҳидли, резавор мевали, раънодошлар оиласига мансуб дарахт ёки бута; шумурт.

ЧЕРИК [*мўғ.* цэрэг – аскар, жангчи; қўшин < *санск.* ksatrika – қўшин, лашкар] *тар.* Ҳарбий юриш вақтида олий ҳукмдор томонидан чиқарилган фармонга мувофиқ йиғиладиган мунтазам қўшин. *Чериклар ўтади жанггоҳлар томон.* Х. Даврон. *Черик ўнлик, юзлик, минглик ва туманларга тақсимланган ва уларга ўнбеги, юзбеги, мингбеги ва туманбегилар сардорлик қилган.* «ЎзМЭ».

ЧЕРКАС *қ.* **черкаслар.** *Черкас тили. Черкас аёл.*

ЧЕРКАСЛАР Россия Федерациясининг Қорачой-Черкасия Республикасида яшов-

чи, кабардин-черкас тилида сўзлашувчи халқ (ўзларини адиге деб аташади).

ЧЕРКЕЗ Чўлларда, қумлоқ ерларда ўсадиган, ем-хашак бўладиган доривор йирик бута ёки дарахт. *Черкез номли ўсимлик мевасидан доривор моддалар олинади.* «Фан ва турмуш».

ЧЕРКОВ [*р.* церковь < *юн.* kyriake – худонинг уйи] **1** Христианлар ибодатхонаси. *Ўзбекистонда 160 та христиан черкови фаолият кўрсатади.* «ЎзМЭ».

2 Христианликда: ўз диний ақидалари ва маросимлари тизимига эга бўлган махсус диний ташкилот. *Черковга мансуб кишилар руҳонийлар ва оддий диндорларга бўлинади.* «ЎзМЭ». *Черковларда художўйлар Саждагоҳга бош қўяди.* Э. Охунова.

ЧЕРТЁЖ [*р.* чертёж < *қад.р.* черсти, черту – чизмоқ] *эск. айн.* **чизма.** *Донишманд раис чертёж чизиб, зовурлар чизиғини белгилади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мен дўстимнинг ёнига чиқсам, Чертёжлардан ёзар дастурхон.* Э. Воҳидов.

ЧЕРТИБ-ЧЕРТИБ 1 Чертиб с. такр. *Столни чертиб-чертиб гапирмоқ.*

2 *кўчма рвш.* Саралаб, танлаб-танлаб. *..академик ёзувчимиз Ойбек «Навоий» романида жуда кўп фразеологик иборалар, мақол, матал ва идиомаларни чертиб-чертиб ишлатган.* «ЎТА».

3 *кўчма* Ҳар бир сўзни алоҳида таъкидлаб, дона-дона қилиб (сўзлашиш пайтида). *-Йўқ десангиз, бир умрга хайр! – деди чертиб-чертиб Шаҳзодахон.* К. Яшин, Ҳамза.

ЧЕРТМАК 1 Бармоқ билан чертиб берилган зарб.

Чертмак олмоқ Кимсанинг бирор ерига чертмоқ. **Чертмак ўйнамоқ** *ҳазил* Ютқизган кишига чертиш йўли билан жазо бермоқ; чертмак олиш шарти билан ўйнамоқ.

2 Чертиб чиқарилган оҳанг, ритм, куй. *Дутор ёнига чилдирманинг чертмаги келиб қўшилгандан кейин, базм тағин ҳам жонланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Чертмак чалмоқ Бирор нарса чертиб, оҳанг чиқармоқ ёки асосий куйга жўр бўлмоқ. *Қўшиқни ёшлар айтсин, улар чалган чертмакка Сел бўлиб, бош ирғатиб қўя қолиш кифоя.* Ғ. Ғулом.

ЧЕРТМОҚ 1 Бармоқ билан кескин зарб бермоқ, бармоқ билан уриб, паст, кескин овоз чиқармоқ, тақиллатмоқ. *Ойнани чертиб чақирмоқ. Тарвузни чертиб кўрмоқ. Дўпписини чертиб тозаламоқ.* ▬ *Аваз ҳазиллашиб, унинг тақир бошига икки марта чертди.* С. Сиёев, Аваз. *Бўта идорага кириб, стулга ўтирди. Нима қилишни билмай, столни чертиб, хаёлга толди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Бурнига чертса йиқилгудай Жуда ҳам озғин, ҳолдан тойган. *Ихчам елкалари яна ҳам кичкина тортиб кетган, бурнига чертса йиқилгудай чарчаган бўлса ҳам, ўзини тетик тутишга.. тиришар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Чертмак билан итқитмоқ, улоқтирмоқ. *Зокир қўлидаги қоғозни икки буклаб, чўнтагига солди ва йўл-йўл бостон пиджагининг енгига ёпишган увоқни чертиб ташлади.* П. Қодиров, Уч илдиз. [*Мўминжоннинг отаси*] *Қуюқ қошларини чимириб, чекиб турган папиросини гуллар орасига чертиб юборди-да, уйга кириб кетди.* Қ. Мақсумов, Муҳаббат қўшиғи.

3 Бармоқ ёки бармоқлар билан зарб бериб чалмоқ. *Тор чертмоқ. Дўмбира чертмоқ.* ▬ *У яхши чалаётганини, тор ўзининг қўлида булбулдай сайраётганини билар, билган сари завқ билан чертарди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

Ҳўкизнинг (*ёки* **эшакнинг**) **қулоғига танбур чертмоқ** *қ.* **танбур.**

ЧЕТ 1 *от* Бирор нарсанинг марказидан узоқ атроф, жой; бирор нарсанинг энг чеккаси; чекка, овлоқ. *Шаҳар чети. Супанинг чети. Чет жой. Чет ўлка.* ▬ *-Мана ақча, – Мирзо чўнтагидан тилла тангалар тўлдирилган халтачани чиқариб, дастурхон четига қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Йўлларнинг икки четидаги ариқлар ва чуқурлар кўчма қум, хас-хашак билан тўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Тўққиз-ўн кунлик ой шаҳарнинг қоқ устида чети қорайган баркашдек ялтираб турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бирор объектга нисбатан бошқа томон, тараф; ташқари. *Четга қарамоқ. Четга тортмоқ.* ▬ *Раъно юзини четга ўгириб, кулиб турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мурзин Элмуродни кўриб, четга бурилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Четда қолмоқ 1) бир чеккада, ташқарида қолмоқ; 2) бебаҳра бўлмоқ; бирор фаолиятдан ташқарида бўлмоқ. *Ишдан четда қолмоқ. Назардан четда қолмоқ.* ▬ *Раҳмат*

сўздан четда қолдирмаслик учун Отабекни ҳам орага олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бироқ туркий тиллар материаллари ҳозирга қадар лингвист-структуралистлар эътиборидан четда қолиб келмоқда.* «ЎТА». **Ўзини четга олмоқ** (*ёки* **тортмоқ**) 1) ўзини бир чеккага, панага олмоқ, бир тарафга, томонга чиқмоқ, ўтмоқ; четламоқ. *Нақ шу паллада дарвозадан катта қора сигир шаталоқ отиб, орқасида бир кишини суриб кирди. Бой чўчиб, ўзини четга олди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *кўчма* бирор ишдан ўзини олиб қочмоқ.

3 Қирғоқ, соҳил, ёқа, лаб. *Дарё четидаги дарахтлар акси сувда чайқалади.* «Ёшлик».

4 *кўчма сфт.* Бегона, ажнабий, хорижий. *Чет эл. Чет мамлакат. Чет тили.* ▬ *Ўнинчи синфда чет тили тўгарагининг машғулоти борарди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Деворда ва ерда қимматбаҳо гиламлар, аъло сифатли чет эл гарнитури.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

5 *от* Ташқари, сирт; чекка. *Четдан одам ёллаш. Четдан томоша қилиб турмоқ.*

ЧЕТАН I **1** Сочилувчи юкларни ташиш учун тол, тут новдаларидан тўқиб ясалган махсус кажава, кузов. *Қовуним пишиб чириб кетди. Жилла бўлмаса, битта четанда олиб тушай-да, сотиб, болаларга кийимлик олай, деб хаёл қилган эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Четандан қилинган, четан билан ўралган. *Адолат хирмондаги пахтани четан аравага ортгач, тепасига ўтириб, қишлоққа жўнади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Улар четан девор билан ўралган мўъжазгина ҳовлига кириб боришди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Кейин билсам, чайланинг четан эшиги очилиб-ёпилаётган экан.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЧЕТАН II Раъногуллилар оиласига мансуб, қизил ёки сарғиш шода-шода мевали дарахт ёки бута ҳамда унинг меваси.

ЧЕТКИ Чекка томондаги, чет тарафда, четда бўлган, четда жойлашган. *Четки уй. Энг четки қатор.* ▬ *Маҳкам елпиғичга ўхшатиб қўйилган билетлардан четкисини тортди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЧЕТЛАМОҚ Чеккага чиқмоқ, чет томонга ўтмоқ; белгили йўлдан бормай, четда юрмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Кумуш бўлса, онасининг ҳозирги ҳолига ачингандек, унга яқинлашмай, четлаб юрар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Четлаб ўтмоқ 1) айланиб, чап бериб ўтмоқ. *Расулжоннинг ғазаби қайнаб, акасини четлаб ўтмоқчи эди, яна шаштидан қайтди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 2) *кўчма* тақилмай, тилга олмай ўтмоқ, ташлаб ўтмоқ. *Шу боисдан ҳам экстремистлар ўз йиғинларида бундай қалтис саволларни четлаб ўтишади.* Газетадан.

ЧЕТЛАНМОҚ 1 Четламоқ фл. ўзл. н. *Гулнор бир оз четланиб юриб, зинага оёқ қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Зайнаб четланиб, уйдан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хотин ҳушини йўқотиб, шилқ этиб тушди. Бирдан одамлар четланишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма* Ўзини четга олмоқ, қочмоқ, четлашмоқ. *Ишдан четланди.*

ЧЕТЛАТМОҚ 1 Четламоқ фл. орт. н.

2 Ишдан бўшатмоқ; бирор иш қилиш ёки бирор ишда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этмоқ. *Яқинда эътиборли бир одам.. раҳбарлик вазифасидан четлатилган.* Газетадан.

ЧЕТЛАШМОҚ 1 Четламоқ фл. бирг. н. *Улар катта йўлдан четлашдилар.*

2 Бир-биридан узоқлашмоқ; ётлашмоқ, бегоналашмоқ. *Шунчаликки бир-биримиздан четлашиб, мунғайишиб юришимиз кишига оғир келар экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бировга дуч келишдан безиллаб қолдим. Одамлардан четлашиб, гаплашмайдиган бўлдим.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *кўчма* Иштирок этмай, қатнашмай қўймоқ, узоқлашмоқ. *Ишдан четлашди.*

ЧЕХ *қ.* **чехлар.** *Чех тили. Чех аёл.*

ЧЕХЛАР Чехия Республикасининг туб, асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ. *Чехларнинг миллий кийимлари, анъанавий ҳунармандчилиги сақланган.* «ЎзМЭ».

ЧЕЧА *шв.* Янга, келинойи. *Гўрўғли шундайин тиклаб қараса, Келаётган — Холжувондай чечаси.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ЧЕЧАК I Табиий равишда ўсадиган гулли ўсимлик; гул. *Дала чечаклари. Хушбўй чечак.* ▬ *Ранго-ранг капалаклар чечакларнинг хушбўй ҳидидан маст.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Шамоллар ичида мен ҳам бир шамол, Чечаклар атридан мен ҳам сармастман.* А. Орипов.

ЧЕЧАК II Баданга сувли пуфакчалар тошириб, иситма чиқарадиган, кўпинча болаларда учрайдиган оғир юқумли касал-

лик. *Агарда ўзингизга ҳам чечак чиққан бўлса, сезарсиз: мисоли ғалвирак бодом.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *1980 йил Жаҳон Соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 33-сессиясида Ер юзида чин чечак буткул тугатилганлиги расмий равишда эълон қилинди.* «ЎзМЭ».

Пулингга чечак чиққанми? Керакли нарсани олиш учун ўз пулини қизғаниб, бировдан нарса сўрагувчи кишига айтиладиган ибора.

ЧЕЧАКЛАМОҚ 1 Гулламоқ, гул ёзмоқ.

2 *кўчма кам қўлл.* Гуллаб-яшнамоқ.

ЧЕЧАН Чаққон, уддабурон, уста, моҳир. *Гапга чечан. Чечан теримчи. Қўли чечан одам.* ▬ *Боқи ҳар қандай даврани гуллатади, гапга чечан.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Илғорлар тенгдошиман, Қирқ қизларнинг бошиман, Илдам бўлинг, жон ака, Чечанлар йўлдошиман.* З. Обидов. *Э, сен жуда чечан экансан-ку, туллак беданадай сайрайсан-а!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧЕЧАНЛАШМОҚ Тез-тез, равон, чиройли гапирмоқ. *Мабодо кўнгли ийиб, бирорбир янги ҳангома, эртак, афсона айтгудек бўлса, кутилмаганда чечанлашиб кетарди.* Газетадан.

ЧЕЧАНЛИК Чаққонлик, усталик, уддабуронлик. *У чопиқда чечанлигини кўрсатди.* ▬ *Шоазим гапга чечанлик қилиб, баланд келгани Маҳкамнинг ёдига тушди-ю, эски оғриқ гўё янгиланди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЧЕЧЕН *қ.* **чеченлар.**

ЧЕЧЕНЛАР Асосан Россия Федерацияси таркибидаги Чеченистон ва Ингушияда яшовчи халқ; Шимолий Кавказнинг туб аҳолиси. *Чеченларнинг анъанавий машғулоти — пасттекисликларда деҳқончилик, тоғларда чорвачилик.* «ЎзМЭ».

ЧЕЧМОҚ *шв.* Ечмоқ. *Алпомиш ўзини маълум этади, Устидан кийимин чечиб отади.* «Алпомиш».

ЧЕҲРА [*ф.* چهره — юз, сиймо] **1** Юз, бет, афт-ангор; сиймо. *Улар худди эгизаклардек, чеҳралари бир-бирига ғоят ўхшар, гавдалари қарийб фарқсиз, кўринишда ювош одамлар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Шунда унинг хаёл боғида яна Адолатнинг чеҳраси кўринди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Киши кайфияти, руҳий ҳолати ёки хулқ-атворининг юздаги акси. *Унинг чеҳраси бузуқ. Чеҳраси очиқ одам. Чеҳрасини очмоқ.* ▬ *Чеҳра деган кўнгилнинг ойнасидир.* Ҳамза. *Қори уни гоҳ «сизлаб», гоҳ «сенлаб», яхши муомалада бўлгани учун, очиқ чеҳра билан гаплаша кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чол соқолини қириб, янги комбинезон кийиб олган. Унинг чеҳраси очиқ, нимадандир хурсанд.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЧИБИН *шв.* Чивин.

ЧИБИҚ *шв.* Чивиқ.

ЧИБОР *шв.* Чипор, ола-чипор.

ЧИВИН 1 Икки қанотли, узун мўйловли қон сўрувчи майда ҳашарот. *Безгак чивини. Ўрмон чивини. Икки нор уришса, ўртасида чивин ўлади.* Мақол. ▬ *-Чивин кўплашса, филни йиқитади, деган гап бор, — деди Эргаш салмоқлаб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ажал етмай, ўлмас Бойсуннинг хони, Бесабаб чиқмайди чивиннинг жони.* «Алпомиш».

Чивин чаққандай ҳам бўлмади Сира оғритмади, сезилмади ҳам.

2 *шв.* Пашша.

ЧИВИҚ 1 Сурх новда. *Тол чивиғи. Чивиқ тутган еридан синмайди, эгилган еридан синади.* Мақол. ▬ *Зайнаб тўрт тарафга зир югуради. Толнинг чивиқларидан синдиради.* «Ёшлик».

2 *тех.* Ингичка ва узун металл таёқча. *Чивиқ темир.* ▬ *Чивиқдан темир-бетон тайёрлаш учун арматура сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.* «ЎзМЭ».

3 *сфт.* Майда чизиқ-чизиқ йўлли (газлама). *Яна юриб кетади: саккизтепки гул атлас, Чивиқ беқасамларнинг олағовур бозори.* Ғ. Ғулом.

ЧИГАЛ 1 Учини топиб, ёзиб бўлмайдиган, чалкашиб, у ер-бу ерига тугун тушиб қолган (ип, ингичка сим ва ш. к. ҳақида). [*Онам*] *Отамнинг бу жавобидан чигал калаванинг учини топгандай, уни яхшилаб ечишга киришди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *кўчма* Чалкашиб, мураккаблашиб кетган; чалкаш. *Чигал бир масала.* ▬ *Мен она юртим, жонажон Оролим ва унинг чигал қисмати ҳақида оғир ўйга толдим.* Газетадан.

3 *кўчма* Муаммо; қийин масала. *Улуғбек.. ҳандаса илмида чигалларни ечувчи.. эрди.* «Ёшлик». *Сув муаммоси ҳал бўлди-ю, бошқа чигал чиқди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Чигалини ёзмоқ 1) оғриғини, увушиғини тарқатмоқ. *Йигит ўрнидан туриб, чигалини ёзиш учун керишди.* З. Аълам, Зарб; 2) кўн-

гил ғашлигини тарқатмоқ. [*Хола:*] *Бунақа уйларда ис босиб ўтираверса, юрагига зардоб тўпланади-да! Бундай тўй-пўй қилиб, кўнглидаги чигалини ёзмаса.* С. Нуров, Нарвон.

ЧИГАЛЛАШМОҚ 1 Учини топиб бўлмайдиган ҳолга келмоқ; чалкашмоқ. *Ип чигаллашиб қолибди.*

2 *кўчма* Чалкашмоқ, мураккаблашмоқ, тушуниб, охирига етиб бўлмайдиган ҳолга келмоқ. *Масала чигаллашди. Иш чигаллашиб боряпти.* ▬ *Бироқ шаҳарлик бу майор пайдо бўлди-ю, режалари чигаллашиб кетди.* «Шарқ юлдузи».

ЧИГАЛЛИК 1 Увушиб қолишлик; чалкашлик, чалкашиб қолишлик. *Тонг ҳавосини далада симирмаса, жон ришталаридаги чигаллик ёзилмай.. руҳи тушиб кетаётгандай бўлаверади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Чигал нарса, иш, масала ва ш.к. *Ҳозир қалбида пайдо бўлаётган шубҳа ва чигаллик унинг ишонувчанлиги ва соддадиллиги билан сиғишмасди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЧИГИЛ I *айн.* **чигал.** *Чигил арқон. Арқоннинг чигилини ёзмоқ.* ▬ *Оёқнинг чигилини ёзмоқ истаб, секин қўзғалдик.* М. М. Дўст, Лолазор. *Шу оқшом Низомжон дилига тугилиб ётган чигилни ечиб ташлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЧИГИЛ II *қ.* **чигиллар.**

ЧИГИЛЛАР Ўзбек халқининг этник таркибига кирган туркий қабилалар иттифоқи. *11-асрнинг 1-ярмида чигилларнинг бир қисми Зарафшон водийсига кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган.* «ЎзМЭ».

ЧИГИРТКА 1 Тўғри қанотлилар туркумига мансуб, қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирувчи ҳашарот. *Чигирткалар экин ер, экмай-тикмай текин ер.* Мақол. ▬ *Чигиртка чириллайди.. ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Уларнинг [ўт-ўланларнинг] орасидан майда сариқ, қора чигирткалар учиб чиқар, сакраб, бошқа ерга қўнарди.* «Ёшлик».

2 *кўчма нафр.* Балохўр, босқинчи. *-Келдилар чигирткалар! — деди у томонга қараб Ҳайдар. Ҳаммалари у томонга қарадилар. Йигирма-йигирма беш отлиқ йўлни чангитиб келмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

ЧИГИТ Ғўзанинг уруғи; терилган пахтани қайта ишлаб олинади. *Ёзиб олинг ён дафтарга: Ғўза унар чигитдан.* «Муштум». *Чигит чиқиндиларини қайта ишлаб, улардан целлюлоза, спирт, лок ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.* «ЎзМЭ».

ЧИГИТЛИ: чигитли пахта Чигити олинмаган пахта.

ЧИДАМ 1 Қийинчилик, дард, алам, азоб ва ш.к. га тоқат қила олиш қобилияти; тўзим, тоқат, сабр-бардош. *Чидами йўқ одам. Чидам бермоқ.* ▬ *Келса бошга ҳар оғирлик, воҳ дема, Бардош қилиб, чидам кўрсат, оҳ дема.* Ҳабибий. *Бола фақир ҳар бир оғирликни чидам билан енгишдан бошқа чораси йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қабулга келганларни қунт ва чидам билан эшитиш, улар қўйган масалани ҳал этиш Ойқиз учун темир қонун.. эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Узоқ хизмат қилиш, чидаш хусусияти, пишиқлик, пухталик, мустаҳкамлик. *Чидами йўқ ип.*

ЧИДАМЛИ 1 Қийинчилик, оғриқ, дард, алам ва ш.к. га чидайдиган; тоқатли, тўзимли, бардошли. *Чидамли аёл. Чидамли эр лочин тутар.* Мақол. ▬ *Демак, Феруза чидамли бўла олмаган шаҳарлик ёш агроном йигит ўрнига келибди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

2 Турли оғир табиий шароитларда яшай оладиган. *..узун толали ва ҳар қандай касалликларга чидамли, айниқса, вилтга чидамли навлар яратиш иши оқсаяпти.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Узоқ хизмат қиладиган, чидайдиган; пишиқ, пухта, мустаҳкам. *Чидамли пойабзал.* ▬ *-Мен ҳайронманки, — деди сўзга чиққан хўжалик мудири, — халқ силлиқ ва чидамли сурп, чит ва сатинларни олмай, қўпол ва дағал бўз ва қалами орқасидан югуради.* С. Айний, Қуллар.

4 Турли шароитларда (ўт, сув ва ш.к. таъсирида) ўз хусусиятларини йўқотмайдиган. *Ўтга чидамли ғишт.*

ЧИДАМЛИЛИК Ташқи таъсирлар натижасида ўзгармаслик; ишга яроқлилик хоссаси, бардошлилик. *Ҳожинова газламанинг чидамлилигини синайдиган махсус асбобнинг лойиҳасини ҳам тузиб берди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ЧИДАМОҚ 1 Руҳий ёки жисмоний қийинчиликларнинг тугашини сабр билан кутмоқ; уларга бардош бермоқ. *Оғриққа чидамоқ. Қийинчиликка чидамоқ. Совуққа чидамоқ. Танқидга чидамоқ. Қирқига чидаган,*

қирқ бирига ҳам чида. Мақол. ▬ *Бу гап менга анча оғир ботди, лекин чидадим.* «Ёшлик». *Тошнинг қирраси оёғига ёмон ботди, лекин чидади.* «Ёшлик».

2 Кўп, узоқ муддат хизмат қилмоқ. *Этигим узоқ чидади. Бўздан кўра сатин узоқ чидайди.*

3 Турли шароитларда (ўт, сув, зах ва ш.к. таъсири остида) ўз хусусиятларини сақламоқ. *Ўтга чидайдиган ғишт. Кислотага чидайдиган материал.*

4 Етмоқ, кифоя қилмоқ. *Ётиб еганга турум тоғ чидамас.* Мақол. ▬ *[Мирзакаримбой:] Ҳар нимани бозордан олаверса, Сулаймоннинг ғазнаси ҳам чидамайди, жиян.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бети (*ёки* **юзи) чидамади** Бирор хатти-ҳаракатни амалга оширишдан уялди. *Бу одамнинг кутилмаганда ўртага ташлаган таклифига жавоб беришга Исҳоқ Махсум билан Уста Мўминнинг бети чидамади.* Газетадан. *..неча марта ундан гап сўрашга ҳам чоғландим, лекин ўзбекчилик экан, юзим чидамади.* О. Мухтор, Эгилган бош. **Чидаганга чиқарган** 1) кутилмаган, хоҳламаган нарса, воқеа-ҳодисанинг рўй бериши муқаррар, уни чидам билан қабул қилиш зарур ёки бирор нарсани кучи етган олади, деган маъноларда ишлатиладиган ибора. *-Уйланишни чидаганга чиқарган, — деди магазинчи тоғамнинг суюкли хотини хохолаб.* Газетадан; 2) бир вақтларда танқис бўлган ёзлик юпқа читнинг номи. **Чидасанг — шу, чидамасанг — катта кўча** Шу шароитга, мавжуд ҳолатга кўникишга мажбурсан, маъносидаги ибора. *[Нури] Меҳмонга келган таккаббур келин каби, ялқовланиб кезди, гилос гулларини томоша қилди. У шу билан қайнанасига: «Чидасанг — шу, чидамасанг — катта кўча. Онам мени иш учун туққан эмас».. демоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧИДАМСИЗ 1 Оғриқ, дард, қийинчилик ва ш.к. га бардош беролмайдиган, тоқат қилолмайдиган; тўзимсиз. *Чидамсиз бола.*

2 Турли оғир табиий шароитларга чидам бера олмайдиган; нозик. *Совуққа чидамсиз гул.*

3 Узоқ хизмат қилмайдиган, чидамайдиган; бўш, жонсиз. *Чидамсиз ип.*

4 Турли шароитда, турли таъсир остида ўз хусусиятларини сақлай олмайдиган. *Кислотага чидамсиз материал.*

ЧИДАШ 1 Чидамоқ фл. ҳар. н. *Ҳамма гинасига ҳам чидаш мумкин-ку, аммо «болалрингиз тарбиясиз», деганига чидаш қийин.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳавонинг ўт тафти бергувчи нафасига чидашнинг иложи йўқдай туюларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Чидамлилик даражаси, чидам. *Чидаш бермоқ. Сиқувга чидаш бермоқ. Ўтга чидаш берадиган ғишт.*

ЧИЁВЛАМОҚ «Чиёв-чиёв» деган овоз чиқармоқ, чийилламоқ. *Балиқчи қушлар чиёвлаб учиб ўтди.* «Ёшлик».

ЧИЁВ-ЧИЁВ *тақл. с.* Жўжаларнинг ёки баъзи қушларнинг чийиллашидан чиқадиган овозни ифодалайди.

ЧИЁН *айн.* **чаён.**

ЧИЗГИ 1 Чизилган тасвир; расм; лойиҳа. *Чизгиларга узоқ тикиламан, улардан завқланаман.* «Саодат».

2 Хомаки, машқ учун чизилган расм. *Сиздан шу эскизни сўрадим. Бу фақат чизги бўлгани учунми ёки мени ростдан хурсанд қилгингиз келдими, ҳадя қилдингиз.* «Ёшлик».

ЧИЗЕЛЛАШ *қ. х.* Тупроққа ишлов беришнинг тупроқни юмшатиш, аралаштириш, бегона ўтларни йўқотиш жараёнларидан иборат усули. *Чизеллаш, айниқса, картошка ва бошқа илдизмевали экинларда яхши самара беради, уларнинг ҳосилдорлиги 15—20% га ошади.* «ЎзМЭ».

ЧИЗЕЛЬ [*ингл.* chisel — юз, бет, ён томон] *қ.х.* Ерни (тупроқни) чуқур ҳайдайдиган, юмшатадиган, бир неча тишли оғир культиватор. *Чизеллаш учун тиркама ва осма чизеллар осма ёки тиркама бороналар билан бирга ишлатилади.* «ЎзМЭ».

ЧИЗИ [*ф.* چیزی — бир нарса, нимадир; андак, сал] *рвш. кам қўлл.* Бир оз, озгина, андак. *Кўйлак чизи чоғроқ келди. Чизи вақтдан сўнг.* ▬ *Кимки йўлдан чизи тойса, Покистоннинг чин ўғли эмас у.* Ойбек, Нур қидириб. *Алқисса, баъдаз жаноза фақирнинг қўлимга чизи ҳадя бериб узатдилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЧИЗИЛИШМОҚ *с.т.* Тизилишмоқ, қатор тизилмоқ. *Болалар бир сафга чизилишди.*

ЧИЗИМЧА Ингичка, пишиқ арқон, чилвир. *Мастура чизимча узатиб турди, Нуриддин бойлади.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Ҳатто заргар дўконлари ҳам чизимча боғлан-*

ганча ташлаб кетилганди. З. Аълам, Афандининг қирқ бир пашшаси.

ЧИЗИҚ 1 Ёзадиган, чизадиган ёки юқадиган нарсалар қолдирган из. *Йўғон чизиқ. Ингичка чизиқ. Бўр билан чизилган чизиқ. Ҳассанинг учи билан чизилган чизиқ.*

2 Шундай шаклдаги йўл, из. *Беқасам чизиқлари. Юз чизиқлари.*

3 Нарсаларнинг чегарасини, жойлашишини ёки боришини кўрсатувчи йўналиш. *Экватор чизиғи. Уфқ чизиғи.* ▬ *Ҳамма дарахтлар бир чизиқ устида текис саф тортиб туради.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *мат.* Сиртнинг икки қўшни соҳасидаги умумий қисм; узлуксиз қатор нуқталар мажмуи. *Горизонтал чизиқ. Тўғри чизиқ. Эгри чизиқ. Синиқ чизиқ.* ▬ *Тўғри бурчакли координаталар тизимида чизиқ тенгламаларнинг турига қараб ажралади.* «ЎзМЭ».

Устига чизиқ тортмоқ Рад этмоқ; эътибордан четда қолдирмоқ; тан олмаслик. *Унингча, Навоий асарлари халққа керак эмас! У адабий мероснинг устига чизиқ тортади.* К. Яшин, Ҳамза. (**Чизган) чизиғидан чиқмаслик** Кимсага тўлиқ итоат қилиш. *Мени Қамар бағрига олди. Умрим бўйи чизган чизиғидан чиқмайман.* «Ёшлик».

ЧИЗИҚЛИ 1 Чизиғи, чизиқлари бўлган. *Бир чизиқли дафтар.*

2 *физ.* Қандайдир чизиқ бўйлаб содир бўладиган. *Эгри чизиқли ҳаракат.*

ЧИЗМА 1 Қоғоз, калька, тахта, ер ва ш. к. юзига чизилган лойиҳа; махсус чизмачилик асбоблари ёрдамида маълум қоидаларга асосан бажарилган график тасвир. ▬ *Чизмаларга назар ташласак, нозик дид билан яратилган улкан бинолар лойиҳаси кўз олдимизда намоён бўлади.* Газетадан. *Усталар ўз ишлари учун чизма нақшлар буюрар эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Каштачиликда: гул тикиш учун матога туширилган (чизилган) нақш, нусха.

ЧИЗМАКАШ 1 Чизмалар (схемалар, хариталар, графиклар) чизиш билан шуғулланувчи мутахассис.

2 Каштачиликда: матога чизма, нақш, нусха чизиб берувчи уста.

ЧИЗМАКАШЛИК Чизма чизиш билан шуғулланиш; чизмакаш касби. *Турли соҳаларнинг муҳандислари, конструкторлари ва лойиҳачилари чизмакашликни билишлари шарт.* «ЎзМЭ».

ЧИЗМА-ЧИЗИҚ Бетартиб, айқаш-уйқаш чизиқлар; шундай чизиқлардан иборат, тушуниб бўлмайдиган тасвир, ёзув.

ЧИЗМАЧИЛИК Турли объектларнинг чизмасини, схемалар, хариталар ва графикларни чизишга, турли буюмларнинг тасвирларини ясашга доир қонун-қоидалар ва усулларни ўз ичига олган техника фани. *Машинасозлик чизмачилиги. Қурилиш чизмачилиги. Проекцион чизмачилик.*

ЧИЗМОҚ 1 Чизиқ тортмоқ, туширмоқ. *Тўғри чизиқ чизмоқ.* ▬ *Боғча боласи ва мактаб ўқувчиси мактабга бориш ёки қайтишда кўчадаги дарахтларни синдирса, уй деворларига чизиб ўтса..* Н. Сафаров, Оловли излар. *Штаб бошлиғи Йўлдош ясама столга мукка тушиб, нималардир чизарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Туширмоқ, солмоқ, тасвирламоқ (расм ёки сўз билан). *Расм чизмоқ.* ▬ *Юртим, суратингни энтикиб чизсам, Сенинг суратингни чизсам, онажон!* Х. Даврон. *Кумушнинг бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб кўрсатиш, албатта, мумкин эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бобур лирикасида маъшуқа образи катта маҳорат билан чизилган.* «ЎТА».

3 *с.т.* Тизмоқ, қатор қилмоқ. *Қўшиқ, достон сабабин Чизиб кетди битталаб.* Ғайратий. *[Ҳожи] Отабекни эпақага олиш учун унга кулги туюлган бир қанча насиҳатларни чизди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *кўчма* Кўрсатмоқ, кўрсатиб бермоқ (йўл, режа ва ш.к. ни). *Мен бир вақт сенга йўл чизиб берган эдим-ку, шундан чиқма: Пахтани биринчи қўлдан ол. Деҳқонларга пулни қишда тарқат. Пул билан оёғига кишан ур.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ер чизиб қолмоқ (*ёки* **ўтирмоқ**) Уялиб, ерга қараб қолмоқ, ўнғайсиз аҳволга тушиб қолмоқ. *Қамбарали ака қизариб, ер чизиб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Юсуф ер чизиб, қилт этмасдан ўтирарди.* «Ёшлик».

ЧИЗҒИЧ Чизиқ чизиш учун ишлатиладиган ўқув ва идора ишлари асбоби. *[Стол устида] Фил суягидан ўйиб ишланган чизғич ва қоғоз қирқадиган «пичоқ».* Мирмуҳсин, Умид.

ЧИЙ 1 Чўл-адирларда ўсадиган баланд, бошоқли, ем-хашакбоп ўсимлик; чаловнинг бир тури. *Сиз гаплашиб ўтирганда, чий ора-*

сидан қараб турдим. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

2 Қамишдан ёки савағич поясидан ип, сим билан қаторлаб боғлаб тўқилган қурилиш материали. *Чий билан ўралган ҳовли. Чий билан тўсмоқ. Чий девор.* ▬ *Чий тутилган кўчма яслида қарқуноқ болаларининг «қиғ-қиғ»лашига ўхшаб чақалоқлар йиғиси эшитилмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Чий алак *шв.* Йўл-йўл тўқилган бўз. *Оёғига кўн этик, эгнига чий алакдан яктак тўн, қалами иштон берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧИЙБАХМАЛ *айн.* **чийдухоба.** *Жигарранг чийбахмал костюм-шимию японча кўйлаги.. ўзига хўп ярашган йигит энди шу томонга отилди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧИЙДУХОБА Духобанинг йўл-йўл бўртма чизиқли хили; чийбахмал. *Мен янги бели бурма, сариқ чийдухоба костюмим билан чолворимнинг чангини қоққанимча, бирпас гарангсиб, аланглаб турдим.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ЧИЙИЛДОҚ Ингичка, ўткир ёқимсиз овоз чиқарадиган, чийиллаб гапирадиган. *Чийилдоқ қуш.* ▬ *-Суюнчи! Суюнчи! — деди Раҳим, чийилдоқ товуш билан Қудратга.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЧИЙИЛЛАМОҚ 1 Ингичка, ўткир ёқимсиз овоз чиқармоқ. *-Чийиллама! — деди ҳайқириб Йўлчи [Салимбойваччага].* Ойбек, Танланган асарлар. *Бурчакдаги электрчойнак чийиллаб, чой қайнаганидан дарак беради.* «Шарқ юлдузи».

2 «Чий-чий» овоз чиқармоқ (қушлар ёки айрим ҳайвонлар ҳақида). *Бахтлиман, деб қушлар чийиллар.* Ҳ. Олимжон. *Тунлари каламушлар чийиллаб безор қиларди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Палапон чийиллаб, онасининг оғзидаги овқатга интилади.* «Ёшлик».

ЧИЙИР *фольк.* Оёқ, туёқ изи; из, йўл. *Отга солди арпа билан ийирни, Қор ёққанда, карвон солар чийирни.* «Алпомиш».

ЧИЙЛАМОҚ 1 Аралаштирмоқ (ўйин қартасини).

2 Қўлда ёки махсус йигирув асбоби воситасида ипни, ипакни пишитмоқ, товламоқ.

ЧИЙЛАМПА Чий қоқиб сувалган шип.

ЧИЙРАЛМОҚ 1 Чийрамоқ фл. мажҳ. н. *Чийралган ип.*

2 *кўчма* Мустаҳкамланмоқ, пишиқ бўлмоқ. *Толеимиз ёр бўлиб, ота-боболаримиз боғлаган дўстона алоқа эндиликда янада пишиқроқ чийралди.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ЧИЙРАМОҚ *айн.* **чийламоқ.**

ЧИЙРАТМА Пишитилган, чийланган, тобланган. *Чийратма ип. Чийратма ипак.* ▬ *Домла.. қўлида битта катта пичоқ, бир болта ва бир оз чийратма арқон билан тўппа-тўғри менинг олдимга келди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧИЙ-ЧИЙ *тақл. с.* Жўжа, сичқон ва ш. к. нинг овозига ўхшаш ингичка, ўткир ёқимсиз овозни билдиради. *Чий-чий қилмоқ.*

ЧИЙЧИЙЛАМОҚ «Чий-чий» товуш чиқармоқ, «чий-чий» қилмоқ. *Ойна опа.. чийчийлаб учаётган қалдирғочларни лоқайд кузатиб турарди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ЧИК *айн.* **чикка.** *Товва пукни ейди, олчи чикни ейди, дегандек..* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЧИККА Ошиқнинг ичи чуқур томони ва шу томони сиртга қараган вазияти; пукканинг акси. *Мендан бошқа одам бўлса, ҳозир чиккасида пукка қилади.* К. Яшин, Ҳамза.

Ошиғи чикка Бахти юрмаган, иши ўнгидан келмаган, иши чаппа. *Ошиқ эди Шакарбекка, Гоҳи олчи, гоҳи чикка.* «Ширин билан Шакар». **Чикка бел** Ингичка, нозик бел, хипча бел (хотин-қизларга нисбатан). *Кўрсат белингни, мен кўрайин, Чикка бел жувон, ёр-ёр.* «Қўшиқлар».

ЧИКОРА 1 [*ф.* چکاره < چه‌کاره — нима иш қиласан? касб-коринг нима?] Нима даркор; ҳеч гап эмас. *Ортиқча гап чикора, тўғри унинг сўзлари!* «Муштум».

2 Ким қўйибди: йўл бўлсин. *Э, ўқиш — тўқларнинг иши, мактабни уларга чиқарган худойим, камбағалларга чикора!* Ойбек, Болалик. *Сиз билан мен бир ишни мувофиқ кўрганимиздан кейин Зайнабга чикора!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧИЛ I Қирғовулсимонлар оиласига мансуб ўтроқ ов қуши. *..кийик овига кетаётган бўлса, йўлида дуч келган каклик, чилларни ҳам аямасди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

Чил каклик Чўл каклиги.

ЧИЛ II [*ф.* چل < چهل — қирқ, қирқта] *айн.* **қирқ 1.** *Чиллада суғорилган боғ чил ботмон узум берар.* Мақол.

ЧИЛАНГАР [*ф.* چیلنگر — майда металл буюмлар ясовчи уста] Металл буюмларни

қўлда ясовчи, тузатувчи мутахассис ишчи; темирчи; слесарь. *Заргарнинг минг ургани, чилангарнинг бир ургани.* Мақол. ▬ *[Темур Малик] Бозор четидаги чилангарлар растаси томон юрди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ЧИЛАНГАРЛИК 1 Чилангар, слесарь касби; темирчилик. *Чилангарлик қилмоқ.* ▬ *У [Муҳаммад] тош ва ёғочга нақш солар, чилангарлик, дурадгорлик.. ва ҳоказоларни билар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Бозорда чилангарлар қатори, растаси.

ЧИЛБАНД [*ф.* چلبند – қирқта боғли, тугунли] Қирқ еридан боғланган, кўп, қаттиқ боғланган, қирқ тугун.

ЧИЛВИР Ингичка пишиқ арқон, арғамчи; чизимча. *Ҳожи ота.. отнинг чилвиридан ушлаб, пиёда юрди.* «Ёшлик». *Райҳон арабнинг белидаги чилвири узилиб кетди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

Чилвир соч (*ёки* **кокил**) 1) майда ўрилган соч. *Кўп ўтмай [Мўмина] чилвир сочларини чамбарак қилиб, тракторга минди.* Ҳ. Нурий, Лочин боласи – лочин. *Қадаб оташ нигоҳин чилвир кокил қўшни қиз, Юракка бирам яқин бир туйғу солиб кетди.* М. Юсуф; 2) сочлари шундай ўрилган қиз, аёл. *Биласанми, ким у, ўша қиз – Осмондаги ўша қалдирғоч? Ўша қўрқмас ва ўша лочин, Ўша дилбар, ўша чилвир соч?* Ҳ. Олимжон.

ЧИЛВИРЛАМОҚ Чилвир билан боғламоқ. *Қўлини чилвирлаб қўйди.* «Ёшлик».

ЧИЛГИ *шв.* Чиллаки. *Яқинда гилос пишади, сўнгра – чилги.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чилгиси яхши.* Газетадан.

ЧИЛДИРМА Ёғоч гардишга тери қоплаб ясалган, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби; доира, чирманда, даф. *Катта чилдирма. Чилдирма базми. Чилдирма чалмоқ.* ▬ *Тўй жуда гавжум – қўш чилдирманинг гижбанги ҳаммаёқни тутди.* Мирмуҳсин, Жабрдийда. *Хушвақт бўлиб, чилдирмалар чалайлик.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧИЛДИРМАКАШ *айн.* **чилдирмачи.**

ЧИЛДИРМАЧИ Чилдирма чалувчи созанда; доирачи. *Чилдирмачи йигит.. қани бошладик, дегандек кўз қисди.* Н. Аминов, Қаққаҳа.

ЧИЛЁСИН [*ф.* + *а.* چهلیاسین – қирқ ёсин] Қуроннинг Ёсин сурасини ўқиш билан боғлиқ бўлган диний одат: оғир касални тузатиш ёки енгиллаштириш мақсадида касал тепасида Ёсин сурасини 40 марта ўқиб, дам солиш. *Чилёсин ўқиттирмоқ.*

ЧИЛИМ Сархонасига тамаки солиб, найи орқали чекиладиган, кўпинча қовоқдан ясалган чекиш асбоби. *Чилим чекмоқ.* ▬ *Раҳматли бувамнинг.. мис чилимлари бор эди.* Н. Аминов, Қаққаҳа. *Гўрўғли султон.. чилим чекиб, кайфу сафо қилиб ётган эди.* «Маликаи айёр».

Чилим солмоқ Чекиш, чектириш учун сархонасига тамаки солиб, чилимни тайёрламоқ. *Ҳайдар ўчоқбошига бориб, яна бир чилим солиб чекди, Сафарга ҳам чектирди.* С. Айний, Қуллар.

ЧИЛИМКАШ 1 Чилим чекувчи.

2 Чилим солиб, одамларга чектириб юриб тирикчилик қилувчи одам; пояки.

ЧИЛИМҚОВОҚ Қобиғидан чилим ясаладиган узун қовоқ. *Нон ўрнига кесак тишлаб, ёз бўйи сув ичиб ишлаб.. битта чилимқовоққа эга бўлиб ўтирибман.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЧИЛЛА [*ф.* چلّه / چهله < چهلروزی – қирқ кун] **1** Йилнинг энг иссиқ ёки энг совуқ қирқ куни. *Чилла кирди. Чилла чиқди.* ▬ *Ҳали барвақт бўлишига қарамай, чилла эмасми, қуёш ёниб бош кўтармоқда эди.* «Шарқ юлдузи».

Ёз чилласи *ёки* **ёзги чилла** 25 июндан 5 августгача бўлган энг иссиқ қирқ кун. *Август – ёз чилласи. Менинг шаҳримнинг ўткир қуёши яллиғи нақ ёндиряпти.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон. **Чилла суви** Ёз чилласида экинларга бериладиган сув. **Қиш чилласи** *ёки* **қишки чилла** 25 декабрдан 5 февралгача бўлган энг совуқ қирқ кун. *Қиш чилласи анча оғир келди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. [*С. Тўйчибоев*] *Қиш чилласи.. тонг саҳарда фермага қараб йўл олди.* «Муштум».

2 *этн.* Бола туққан ёки туғилгандан, қиз турмушга чиққандан, йигит уйлангандан, марҳум кўмилган кундан кейинги қирқ кунлик давр: турмушдаги баъзи ҳодиса-ҳолатларнинг энг оғир, хатарли ёки масъулиятли даври. *Чақалоқнинг чилласи чиққач, янги уйга кўчиб бордилар* «Ёшлик». *Халқ табобатида чилла даври қирқ кун ҳисобланиб, шундан йигирма куни кичик чилла, йигирма куни катта чилла дейилади* «ЎзМЭ».

Чилла яра Болага чилла даврида чиқадиган яра, тошма. *Шуҳратнинг бошига, бўй-*

нига чилла яра чиқиб, олти ойга чўзилди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. **Чилласи чиқмаган** 1) чилла даври тамом бўлмаган. *Келар ҳафта туғуруқхонадан чиқади янгангиз. Шунга, чилласи чиқмасаям майли, бир зиёфат қилмоқчи эдик.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Қирқ марта айтдим, ҳов келин, қишлоқнинг оғзи ёмонлари бор, кулади, ҳеч бўлмаса, чиллангиз чиққунча шу зормандани кийиб, ишга боринг, деб.* «Ёшлик»; 2) *кўчма* тажрибасиз; ғўр, хом.

3 *дин.* Суфий ёки муриднинг якка ўзи алоҳида хона (ҳужра)да, одамлардан яшириниб, қирқ кун давомида тоат-ибодат қилиши.

Чилла ўтирмоқ 1) суфийлик тариқатида: қирқ кун давомида уйдан чиқмасдан ёлғизликда тоат-ибодат қилмоқ. *Чиллага ўтирган шунда қирқ кун шайх, Даф қил, дея сўраб худодан уни.* Т. Тўла. *Чилла ўтириш вақти диндор томонидан олдиндан ният қилинган бўлади.* «ЎзМЭ»; 2) *кўчма* узоқ вақт уйдан эшикка чиқмай, қимирламай ўтирмоқ. **Чилла(га) ўтқазиб кетмоқ** Алдаб, фириб бериб кетмоқ. *Ипак-атлас карвонига бош бўлган савдогарлар косибларни чиллага ўтқазиб кетардилар.* Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади.

ЧИЛЛАГУЗАРОН [*ф.* چلّه‌گذران – чилланинг ўтиши] *этн.* Янги фарзанд кўрган онанинг чилласи чиққандан сўнг ўз ота-онасиникига ёки бошқа яқинлариникига меҳмонга бориши ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросим. *Чиллагузарон қилмоқ (ўтказмоқ). Чиллагузаронга бормоқ.*

ЧИЛЛАГУРАЗОН *с. т.* Чиллагузарон.

ЧИЛЛАК [*ф.* چلیک – бир турли болалар ўйини] **1** Битта узун, битта калта ёғоч билан ўйналадиган болалар ўйини ва шу ўйинда хизмат қиладиган ингичка ёғоч. *Улар [болалар] чиллак ўйнаётган бўлса керак, ҳар дам-ҳар дамда қайсисидир зувуллаб югуради.* «Ёшлик».

Чиллак бола Чиллак ўйинида ишлатиладиган икки ёғочнинг калтароғи. **Чиллак она** Чиллак ўйинида ишлатиладиган икки ёғочнинг узунроғи; чиллаксоп.

2 Варрак ипи ўраладиган қисқа чўп. *Шамол турганда, қоронғи кечаларнинг қоқ ярмисида бўлса ҳам, чиллакдаги ипнинг ҳаммасини қўйиб, устунга боғлайман.* Ойбек, Болалик.

ЧИЛЛАКДАЙ, -дек Ингичка, ориқ. *Уйнинг ўртасида оёқлари чиллакдек бир бола чол-кампирга қараб, тиржайиб турган эмиш.* «Зумрад ва Қиммат».

ЧИЛЛАКИ [*ф.* چلگی – «чилла» с. дан: қирқ кунда (эрта) пишадиган] **1** *от* Эртапишар узум, узумнинг энг олдин пишадиган тури. *Оқ чиллаки. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради.* Мақол. ▬ *Оқ кишмиш, қора, оқ чиллаки, чарос.. кўзларни қамаштиргудай серҳосил.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *сфт.* Эртапишар, эртаги. *Чиллаки шафтоли. Чиллаки қовун.*

3 *сфт. кўчма* Яхши тайёрлик кўрмаган, чала ўқиган. *Чиллаки олим.* ▬ *Маориф очган курсларда бир талай чиллаки муаллимлар ўқишаётибди. Ўрнимга ўшалардан биттасини ола беради-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИЛЛАКИРЎЗОН *с.т. айн.* **чиллагузарон.**

ЧИЛЛАКСОП Чиллак ўйинида ишлатиладиган икки ёғочнинг узунроғи. *Катта доира чизилади-да, бир бола чиллаксопни олиб, доиранинг ўртасида туради.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Собир яқинда олган «Урал» велосипеди билан ўзини тўсиб, деворга қапишиб турибди. Бир қўлида чиллаксопдай насос.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧИЛЛАЛИ Чилласи чиқмаган. *Чиллали она.* ▬ [*Хотин:*] *Вой, мусулмонлар, дин қани, диёнат қани, янгигина туширган чиллали келиним бор.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЧИЛЛАШИР 1 [*ф.* چلّه – чилла + شیر – сут: чилла даврида сут эмаётган ёки эмизаётган] Тўхтовсиз ич кетиши, камқонлик, озиб кетиш билан кечадиган касаллик. *Шуниси аниқки, отқулоқ.. камқонликда, колит, энтероколитда, болаларда бўладиган чиллаширда дори сифатида ишлатилган.* Газетадан.

2 Жуда озғин, ориқ. *Илҳомжон ғилдиракни ўрнатиб, мурватларни калит билан қотираётганида, бир чўпон бола сутдан айрилган, чиллашир бузоқларни ҳайдаб ўтди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ЧИЛЛИК Ўйин қартасининг қора рангли, уч барг шаклдаги тури. *Чилликнинг тузи. Еттилик чиллик.*

ЧИЛОН I [*р.* «член» (аъзо) с. нинг бузилган шакли] *с. т.* Чор Россияси давридаги Туркистонда: бирор муассаса ёки банк аъзоси. *Мен банкнинг чилони. Ҳаммасининг сири менга равшан, ўғлим.* Ойбек, Танланган

асарлар. *Юзбошининг мол-дунёси бениҳоят кўп, кечалари уйини ўн иккита мерган қўриқлар эди. Уни «чилон» ҳам дейишар эди, билмадим, ўша вақтда нимага «чилон» экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЧИЛОН II [*ф.* چیلان – жийданинг бир тури] *айн.* **чилонжийда.** [*Чилон*] *Ўзбекистонда қадимдан маълум бўлиб, номи турлича: чилонжийда, чилон, жилон, уноби деб аталиб келинмоқда.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ЧИЛОНЖИЙДА *бот.* Жийданинг қизғиш-жигарранг пўстли, оқ, ширин этли, думалоқ ёки тухумсимон меваси бўлган тури. *Мутахассисларнинг фикрига қараганда, хиёбонларга, истироҳат масканларига.. нок, ўрик, чилонжийда, гилос, тут ўтқазиш мумкин.* Газетадан.

ЧИЛОПЧИН [*ф.* چلآبچین – қирққа бўлинган сувни тўпловчи] *шв.* Дашша. *Хотини чилопчин билан обдастада сув олиб кирди.* «Шарқ юлдузи».

ЧИЛПАРЧА *айн.* **чилпарчин.** *Занг босган кишанлар чилпарча бўлди.* Уйғун.

ЧИЛПАРЧИН [*ф.* چلپرچین – қирққа бўлинган, парчаланган] *рвш.* Парча-парча, майда-майда; чил-чил.

Чилпарчин бўлмоқ 1) парча-парча бўлмоқ, чил-чил бўлмоқ. *Ойна чилпарчин бўлди.* ▬ *Шавкат ҳозир энг юқори қаватда, ердан жудаям баландда эканликларини, бу ердан йиқилган одам чилпарчин бўлишини ўйлади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом; 2) *кўчма* маҳв бўлмоқ, тилка-пора бўлмоқ; йўқ бўлмоқ, йўққа чиқмоқ. *Ёв чилпарчин бўлди. Душманнинг қора ниятлари чилпарчин бўлди.* ▬ *Бўриевнинг қурилишни ўпирилишдан чиқаришга қаратилган дадил лойиҳаси.. чилпарчин бўлди.* А. Мухтор, Туғилиш; 3) озор чекиб, ранжиб, эзилиб пора-пора бўлмоқ, садпора бўлмоқ. *Нафисанинг қалби бирпасда чилпарчин бўлди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. **Чилпарчин қилмоқ** 1) парча-парча, чил-чил қилмоқ, синдирмоқ. *Бухоронинг Самарқанд дарвозаси ҳам чилпарчин қилиниб, йўл четларига улоқтирилган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2) *кўчма* маҳв этмоқ йўқ қилмоқ. *Душман чилпарчин қилинди;* 3) *кўчма* озор бермоқ, қаттиқ ранжитмоқ. *Ортиқ шу бир оғиз гап билан унинг кўнглини чилпарчин қилиб ташлаганини сезди.* М. Мансуров, Ёмби; 4) *кўчма* тўсатдан таъсир қилиб, тарқатиб юбормоқ; йўққа чиқармоқ. *Наргисхоннинг жарангдор овози хаёлимни чилпарчин қилиб юборди.* «Шарқ юлдузи».

ЧИЛПИМОҚ 1 *қ. х.* Ўсимликни бўйига ўсишдан тўхтатиш, ҳосил тўплаш, тезроқ етилтириш мақсадида уларнинг бачки шохларини ёки ҳосил новданинг учки қисмини юлиб ёки кесиб ташламоқ; чеканка қилмоқ. *Ғўзаларни чилпимоқ.*

2 *кўчма* Умуман, бирор нарсанинг ортиқча, кераксиз қисмини олиб ташламоқ, йўқ қилмоқ. *Унинг ёзганларини ҳар ким ва ҳар бир ҳукумат арбоби текшириб, ортиғи бўлса – чилпиб, ками бўлса, тўлдириб бориши зарурдир.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЧИЛПОРА [*ф.* چلپاره – қирққа бўлинган, парчаланган] *айн.* **чилпарчин.** *Ўртага тушган совуқчилик Фариданинг қалбини чилпора қилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ЧИЛП-ЧИЛП *тақл. с.* Лойгарчиликда юрганда, сув кечганда чиқадиган товушни билдиради. *Чилп-чилп лой кечмоқ.* ▬ *Вали ака тахтанинг устига чиқиб, ариққа энгашди. Тахта эгилиб, таги чилп-чилп сувга тегди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧИЛТАН, чилтон [*ф.* چلتن – қирқ киши, қирқта руҳ] Диний тасаввурларга кўра, ғайритабиий кучга эга бўлган, кўзга кўринмайдиган, бир-биридан ажралмайдиган афсонавий қирқ руҳ. *Комил пирлар бўлсин сизга мададкор, Қирқ чилтанлар бўлсин сизга жиловдор.* «Маликаи айёр». *Чилтанлар назар қилди шекилли, хонадоним қайта бошдан обод бўлди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧИЛТОР [*ф.* چلتار – қирқта тор; қирқ торли мусиқа асбоби] Кўп торли қадимий чолғу асбоби. *Чилтор қилларидай таралар ёмғир.* А. Орипов. *Чилтор садоси эшитилиб, аёл киши мунгли товуш билан мусиқага жўр бўлди.* Газетадан.

ЧИЛ-ЧИЛ [*ф.* چل چل – қирқта-қирқта (бўлинган, парчаланган)] **1** *рвш.* Майда-майда, парча-парча, кул-кул. *Коса чил-чил синди.* ▬ *Шиша, зинапоя қиррасига тегиб, чил-чил синди.* «Ёшлик».

Чил-чил бўлмоқ 1) майда-майда, парча-парча бўлмоқ, кул-кул бўлмоқ. *Ҳурининг бадан-бадани жимирлаб кетди, қўлидаги пиёла ерга тушиб, чил-чил бўлди.* Н. Фозилов, Оқим; 2) *кўчма* озор чекиб, ранж тортиб, тилка-пора бўлмоқ. *Умиди кесилдигина эмас, неча йиллар кўнглида ардоқлаб келган нияти*

чил-чил бўлди. «Ёшлик». **Чил-чил қилмоқ** 1) майда-майда, парча-парча қилмоқ, синдириб ташламоқ. *У қўлидаги тақсимчани полга қарсиллатиб уриб, чил-чил қилди.* Мирмуҳсин, Умид; 2) *кўчма* озор, ранж бериб, тилка-пора қилмоқ. *Лекин унинг суйиб теккан полвони, суянган тоғи кўнглини чил-чил қилди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЧИЛЧИРОҚ [*ф.* چلچراغ – қирқта чироқ; қандил, люстра] *эск.* Кўп шамли чироқ, қандил. *Супалар устидаги чилчироқлар нур сочиб турар, боғ кундуз кундагидай ёруғ эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧИЛЧЎП [*ф.* چلچوب – қирқта чўп, новда] Нишолда тайёрлашда ишлатиладиган бир даста ингичка чўп.

ЧИМ 1 *айн.* **ажриқ.** *Биз учун кўкарар дўнгликларда чим, Биз учун яшайди кўкда юлдузлар.* «Ёшлик».

2 Ажриқнинг илдизлари, поялари билан бирга палахса-палахса қилиб кўчирилган тупроқ қатлами. *Сувни чим тўхтатар, сўзни – чин.* Мақол. ▬ *Ерни ҳайдашда ва мол боқилганда чим бузилса, тупроқ эрозияси рўй беради.* «ЎзМЭ». *Яна беш чақиримча юрилгач, учтача ўтов ва чимдан ясалган қўтон чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Чим босмоқ 1) сув йўлини тўсиш ёки чимзор қилиш учун кўчириб келинган чимни маълум тартибда ерга ётқизмоқ. *Эгатларга чим босмоқ. Футбол майдонига чим босмоқ.* ▬ *Бирор жойни сув уриб кетса, кетмон билан ўша жойга чим босади, бебош сувни яна йўлга солиб юборади.* Ж. Шарипов, Саодат; 2) *кўчма* ғов солмоқ, йўлни тўсиб қўймоқ, бекитмоқ. *Пошшахон тушмагур, секретарликка сайланди-ю, барчасининг йўлига чим босди.* А. Муқимов, Қипчоқ сеники. **Чимдай чиқмоқ** Ёппасига, гиламдай бўлиб чиқмоқ (ўсимликлар ҳақида). *Укроп чимдай чиқибди.*

ЧИМДИЛАМОҚ 1 *шв. айн.* **чимчиламоқ.**

2 *айн.* **чимдимоқ 1.** [*От*] *Кечгача адирларда, сой бўйларида ўт чимдилаб келади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧИМДИМ Икки-уч бармоқ билан чимдиб оларли миқдор. *Овқатга уч-тўрт чимдим туз ташламоқ.*

Бир чимдим 1) бир марта чимдиб олишли миқдор. *[Чол] Бир чимдим носни бурушиқ кафтига тўкди-да, уни тилининг тагига отди.* «Ёшлик»; 2) *кўчма* озгина, жиндак, қиттак. *Бир пиёладан чой ичиб, бир чимдим ҳол-аҳвол сўралгач, дўсти меҳмонни таништиришга тушди.* М. Мансуров, Ёмби. *Хитобда ҳам, мақтовда ҳам бир чимдим кесатиқ бор эди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бир чимдим ухласанг, кучга тўлиб яйрайсан.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЧИМДИМОҚ 1 Оз-оздан емоқ, чайнамоқ. *Серка бўлса, ҳар замонда бир хашак чимдиганича, тепада туриб.. кузатаркан.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Бармоқларнинг учи билан ушлаб, чимчиб олмоқ. *Тиканзордан чиққан киши кўзи ер чизиб, от ўмровидаги хасни чимдиб ташлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Тожихон ая хотиржам, кенг-ковул қарғашойи кўйлагининг тўшбурмасидан чимдиб ушлаб, елпинди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

3 *кўчма* Гап билан узиб олмоқ. *-Ҳали бу ҳолвасими, Султонов ака, – Зулхумор ҳам гап билан чимдиб олди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧИМЗОР Чим босган ер, ажриқзор. *Сўнг туёқ излари қотиб қолган чимзордан тез ўтаётган извошда чайқалиб кетаркан, ғуборли осмонга қаради.* Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари. *Суярқул терлаб-пишиб чимзорга етиб борганида, ҳали футбол бошланмаган эди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧИМЗОРЛИК *айн.* **чимзор**. *Ҳар икковимиз маслаҳатлашиб, қўйларни чимзорликка ёйдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧИМИЛДИҚ *айн.* **гўшанга**. *Бутун қизлар, бутун жувонлар Чимилдиқда эрни кўрдилар.* Ҳ. Олимжон. *Гул-гул ёниб, муқаддас Чимилдиққа кирарсан.* М. Юсуф.

ЧИМИРИЛМОҚ 1 Чимирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Қошлари чимирилди. Қулоқлари чимирилди.*

2 Қош-қовоқни, пешонани тириштирмоқ (таажжуб, аччиқланиш ва ш. к. ҳис-туйғуларни ифодалаш учун). *-Қанақа ҳикоя экан? – чимирилиб сўради аёл.* «Шарқ юлдузи». *Холиса чимирилиб, ана, айтмовдимми, дегандек эрига қараб қўйди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧИМИРМОҚ Қош-қовоқни йиғмоқ, буруштирмоқ (таажжуб, норозилик, ҳадиксираш, кибр каби ҳис-туйғуларни ифодалаш учун). *Дандонов сийрак қошларини чимириб, узоқ эзмаланди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *-Ёқмаса.. – Алимардон кинояли жилмайиб, қошини чимирди. – Ёқмаса.. Кета қол!* Ў. Ҳо-

шимов, Қалбингга қулоқ сол. *Асқар Бакирович норози қош чимирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Қулоқ чимирмоқ Қулоқларини орқага буриб, тик қилиб, бирор ҳаракатга ҳозирланмоқ (ҳайвонлар ҳақида). *Қорабайир думини силкитиб, қулоқларини чимирганича.. орқа оёғини ҳавога ура бошлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЧИМЛАМОҚ Чим босмоқ, чим босиб тўсмоқ ёки кўкаламзор қилмоқ. *Уста бу йил эгат оғзини чимлаб суғоришда ҳам ибрат кўрсатишга аҳд қилган.* О. Ёқубов, Ларза.

ЧИММАТ [«чашмбанд» с. нинг бузилган шакли] **1** *айн.* **чачвон.** *Ой юзинг қаро чиммат зулмидан қутултиргил.* Ҳамза. *Зеби чимматини юзидан олди..* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Чимматдаги бекага кўзи тушганлар бош эгиб салом беришди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 *кўчма* Парда, тўсиқ. *Туннинг қора чиммати жимирлаб-жимирлаб, ер бетини қоплади.* И. Раҳим, Тақдир.

ЧИМТОМОҚ Кам овқат ейдиган, овқатни танлаб, оз-оз ейдиган; чимхўр. *[Малика] Чимтомоқ эди. Аммо бугун онаси қўйган бир товоқ овқатни ҳам пок-покиза туширди-да, кейин тоза мақтади.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

ЧИМХЎР 1 *айн.* **чимтомоқ.** *Овқатга асло мазангиз йўқ экан, пошша қиз, чимхўр экансиз.* Ойбек, Улуғ йўл. *Шу қилиқлари устига бу нозик ойим бирам чимхўрлар..* «Шарқ юлдузи».

2 Овқатни танлаб, оз-оз ейдиган, ҳар қандай овқатни еявермайдиган (ҳайвонлар ҳақида). *Чимхўр ҳўкиз очдан ўлар.* Мақол. ▬ *Шомурод хатчи [хат ташувчи, почтальон]-нинг сигири чимхўррок эди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ЧИМЧАЛОҚ *шв.* Жимжилоқ.

ЧИМЧИЛАМОҚ 1 Тананинг бирор ерини бармоқлар билан қисиб олмоқ (кўпинча жазолаш учун, баъзан ҳазил тариқасида). *Шўхчан койиниб, эрининг биқинларидан чимчилаб, нариги хонага олиб чиқди.* М. М. Дўст, Лолазор. *-Ахир кампирлардай тишларинг тушган! — деди Изатулла ака боланинг юзини қайта чимчиламоқчи бўлиб.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Фотима келин атласнинг бир четини чимчилаб кўрди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 *кўчма* Ачитмоқ, жизиллатмоқ, жондан ўтмоқ (совуқ, шамол, изғирин ва ш. к. ҳақида). *Изғирин изиллаб, юз-кўзни чимчилайди.* С. Нуров, Нарвон. *Совуқ қулоқ-бурнингизни чимчилаб ўтади.* Т. Қосимова, Кўнгилли тасодиф. *Ёмғир томчилари билан ювилган ҳавонинг покиза еллари баданини чимчилаб ўтади, гоҳ сескантиради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *кўчма* Гап билан узиб олмоқ, тил тегизмоқ, кимсанинг шаънига аччиқ, қаттиқ гап айтмоқ; койимоқ. *-Ҳали хотинчангизни ҳам бориб кўрарсиз, — гап билан чимчилаб олди у.* «Ёшлик».

ЧИМЧИМОҚ 1 *айн.* **чимчиламоқ.** *Бурнини чимчиди.*

2 Бармоқларнинг учи билан ушлаб, чимдиб олмоқ. *Зайнабнинг қўрқа-писа «Олинг, опа!»сидан сўнг, икки тараф ҳам лагандан чимчиган бўлишдилар-да, бирин-сирин қўлни дастурхон четига артишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧИМҚИРҚАР *қ. х.* Плугнинг чимни, илдизларни кесиб борувчи қисми, пичоғи.

ЧИН I **1** *от* Ҳақиқий ҳол, иш, гап, ҳодиса ва ш. к.; рост, тўғри. *Отамнинг йўқдир тайини, Мен айтай гапнинг чинини.* «Нурали». *Шу онда хавотири чинга айланди.* «Шарқ юлдузи».

2 *сфт.* Ҳақиқий, ҳаққоний, чинакам. *Чин ваъда. Чин сўз — мўътабар, Яхши сўз — мухтасар.* Мақол.

3 Асл, ҳақиқий, чинакам. *Оҳ, ширин ҳаёт, чин йўлдош.. ҳар бир жиҳатдан комил, фозил инсон бўлса..* Ҳамза, Танланган асарлар.

Чин кўнгилдан (*ёки* **қалбдан, юракдан**) Астойдил, самимий. *У бу аёлнинг, тили аччиқ бўлишига қарамай, чин дилдан орттириб берган пулларини сира унутгани йўқ эди.* «Ёшлик». **Чин маъноси билан** Асл, ҳақиқий маъноси билан; том маъноси билан. *У чин маъноси билан одам.* ▬ *Хуллас, чин маъноси билан серҳосил қишлоқ.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Чини билан** Ҳазилсиз, ростдан, ҳақиқатан, дарҳақиқат. *Чини билан ҳам Ҳожининг тусидаги бояги ҳасрат ва қайғу аломатлари йўқолиб, уларнинг жойини шарқ оталиги вазияти олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧИН II [*ф.* چين] Хитойнинг Шарқ мамлакатларида қабул қилинган ва ўзбек тилида ҳам учрайдиган номи. *Чин хоқони.* ▬ *Чин*

чегарасидаги Ўтрор шаҳрига келгани замон йўлини қор девори тўсди. М. Осим, Ўтрор.

Чин (*ёки* **чинни**) **каптар** Хонаки кўк каптар.

ЧИНАК [*ф.* چینک < چیدن – «термоқ, тўпламоқ; йиғиштирмоқ» фл. дан] Ўтмишда: маълум шартлар билан ёлланиб пахта териш тартиби ва шу тартибдаги пахта терими.

ЧИНАКАМ 1 Ҳақиқий, асл, чин. *Чинакам дўст.* ▬ *Аммо зиёфат дастурхони чинакам бойвачча номига яраша эди.* «Ёшлик». *Ёшлик – умрнинг чинакам асл даври.* Газетадан. *Мусофирдан аҳвол сўраш савоб чинакам.* А. Орипов.

2 *айн.* **чиндан.** *Чинакам ишонмоқ.* ▬ *Зиёдулла чинакам қўлга тушганига ишонди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Киши чинакам йиғлаш учун мўл-кўл кўз ёши тўкмоғи ёки фарёд кўтармоғи шарт эмас.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИНАКАМИГА *рвш.* Чиндан, ҳақиқатан; ростдан. *[Универмагда] ..халқимизнинг ажойиб миллий анъаналарини ифода этишга, давр билан уйғунлаштиришга чинакамига эришилган.* Газетадан.

ЧИНАКЧИ 1 Ёлланиб пахта терувчи киши. *Нигоҳим кундузнинг нурига чўмган, Узоқдан чинакчи қизлар кўринар.* У. Носир.

2 Чаноқда қолган пахталарни қўшимча равишда қўлда терувчи; теримчи. *Машина теримига ажратиб, мослаб қўйилган пахтазорни бир гала чинакчи оралаб юрибди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ЧИНАКЧИЛИК Чинакчи бўлиб ишлаш, чинак билан шуғулланиш. *Эрназар аканинг хотини коллективлаштиришдан илгари ҳам чинакчиликда донг чиқарган хотин.* И. Раҳим, Ихлос.

ЧИНБАРГ Пахта ўсимлигининг шоналайдиган барги, ҳосилдор барг. *Ғўза энди икки-учтадан чинбарг чиқарганда, Мўминанинг бирдан тоби қочиб қолди.* Ҳ. Нурий, Лочин боласи – лочин.

ЧИНГИЛ Дуккаклилар оиласига мансуб тиканли ўсимлик (илдизидан сариқ бўёқ тайёрланади).

ЧИНГЛИНГ *шв.* Ихчам, бежирим ва саранжом, шинам. *Мирвали шу йўл ёқасига иккита чинглинг посёлка қуриб қўйди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧИНДАН *рвш.* Чини билан, тўғри; беҳазил. -*Чиндан сўзлайман, Анвар! – деди Султонали.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ҳақиқатан, ростдан. *Шу тобда унинг гинаси Искандарга чиндан хуш ёқиб, жилмайди.* М. Мансуров, Ёмби. *Шаҳар чиндан ҳам ўлат чангалида экан.* «Фан ва турмуш».

ЧИНДОВУЛ *тар.* Дубулға шаклидаги, бир томони тери билан қопланган урма чолғу асбоби (ҳарбий юришлар ва турли маросимларда қўлланган). *Чиндовул отлиқ аскар эгарига бойланган, таёқ ёки қамчи дастаси билан чалинган.* «ЎзМЭ».

ЧИНИЙ [*ф.* چینی – Хитойга мансуб] *эск.* Хитойда тайёрланган. *Хатни чиний қоғозга Муҳаммад Интизомнинг ўзи ёзди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ЧИНИҚМОҚ 1 Меҳнат ёки жисмоний тарбия билан ўз организмининг ҳар қандай оғир шароитга, касаллик ва ш.к. га бардош бериш қобилиятини оширмоқ; тобланмоқ, пишиқмоқ. *Меҳнатда чиниққаннинг ранги тоза бўлади.* «Қўшиқлар». *У кўйлаксиз эди, офтобда чиниқиб пишган бадани тер билан ялтирарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 *кўчма* Амалий иш, тажриба жараёнида етилмоқ, тобланмоқ. *Дўстлик синовда чиниқади.* Мақол. ▬ *Унинг [қизнинг] муҳаббати айриликда чиниқди.* Газетадан.

ЧИНИҚТИРМОҚ 1 Чиниқмоқ фл. орт. н. *Организмни чиниқтирмоқ.*

2 *махс.* Янги ишлаб чиқарилган автомобиль, трактор, трамвай, самолёт, дастгоҳ ва ш.к. ни дастлаб белгили тартибда ишлатиб, аста-секин равон ишлайдиган ҳолга келтирмоқ.

ЧИНИҚҚАНЛИК Ишда, меҳнатда ёки машқ билан тобланганлик. *Ишда чиниққанлиги унга [мардикорга] қўл келди.* «Ёшлик».

ЧИНК, чинг (*қозоқча* **шинг**) **1** Қир ва баландликларнинг тик тушган баланд ёнбағри; жарлик.

2 Чўққи; тоғ тепаси.

ЧИН-МОЧИН [*ф.* چین‌وماچین] *эск.* Жанубий Хитой, Тибет ва Шарқий Туркистон ҳудудининг эски, тарихий манбаларда учрайдиган номи.

ЧИННИ [*ф.* چینی – Хитойга мансуб] **1** Турли идиш-оёқ, ёдгорликлар, изоляцион ашёлар тайёрлаш учун ишлатиладиган оқ лой. *Хитой чинниси. Тошкент чинниси. Сопол чинни бўлмас, бегона – ини.* Мақол. ▬ *Ўрта Осиёга чинни қадимдан Хитой ва Эрондан, кейинчалик Россиядан келтирилган.* «ЎзМЭ».

2 *сфт.* Чиннидан ясалган. *Чинни пиёла.* ▬ *Саида чинни чойнак-пиёлаларни яхшилаб ювиб, артиб, токча тепасига териб қўйди.* Газетадан.

3 Чинни (хотин-қизлар исми).

ЧИННИГУЛ [*ф.* چینی‌گل – хитой гули] Чиннигуллилар оиласига мансуб, қизил, пушти, оқ гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг гули. *Рашиднинг қўлидаги чиннигулларни кўриб, Гули ёстиқдан бошини кўтарди.* Ҳ. Бадалов, Боботоғ болалари.

ЧИННИДАЙ, -дек. Чинни каби, чиннига ўхшаб; топ-тоза. *Умид ғариб.. аммо ҳаммаёқ чиннидай озода бир уйда бўлганидан кўнгли равшан тортди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЧИННИСОЗ [*ф.* چینی‌ساز – чинни ясовчи] Чинни саноати ходими, мутахассиси; чинни ясовчи уста. *Чиннисозларнинг 1991 йилги режалари ҳаммани қизиқтириши табиий.* Газетадан.

ЧИННИТАРВУЗ Эртапишар, гулдор пўчоқли тарвуз нави.

ЧИННИТЕРАК Тикка ўсадиган баланд оқ терак.

ЧИННИФУРУШ [*ф.* چینی‌فروش – чинни сотувчи] *эск.* Чинни асбоблар билан савдо қилувчи савдогар, чинни сотувчи. *У Соли чиннифуруш номи билан донг чиқарган.* «Ёшлик».

ЧИННИЧИ *айн.* **чиннисоз.**

ЧИНОВНИК [*қад. р.* чин – «тартиб, қоида; даража, мансаб» с. дан ясалган от: амалдор] Чор Россиясида: амалдор, мансабдор шахс. *Чор ҳукуматининг чиновниклари.* ▬ *У ё чиновник, ё катта савдогар, ёки айни замонда ҳар иккиси.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧИНОЁҚ Хитойи чинни идиш, хитой чинниси. *Олти йигит ичида отинг Турсун, Чиноёққа сув қуйдим – тиниб турсин.* «Қўшиқлар». *Мирёқуб курсини яқинроқ жилдирди, чиройли бир чиноёққа самовардан қуюққина чой қуйгач..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЧИНОР [*ф.* چنار] **1** Пўсти кўкиш, панжасимон шапалоқ баргли, узоқ умрли серсоя катта дарахт. *Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол. ▬ *Ҳаммаёқ озода, сув сепилган, тоза. Сарҳовуз.. осмонга етадиган чинорлар..* «Нурали».

2 *кўчма* Турмуш ўртоғи ёки ўғил, фарзанд (аёлга нисбатан). *Чиройинг борида чинорингни топ.* Мақол. ▬ *Бўйнимга таққан туморим сен эдинг, Олдимда ўсган чинорим сен эдинг.* «Ойсулув».

3 *кўчма* Суянчиқ, қўллаб-қувватловчи шахс. *[Турдиқуловнинг] Районда суянган чинорлари бор.* «Ёшлик».

ЧИНОҚ 1 Қулоғи кесилган ёки қулоғи кертик. *Чиноқ ит. Чиноқ қўй.* ▬ *-Э, домлажон-а, сиз кўрмадингиз, ўртадаги девордан бир ғишт кўчирганимизни биламиз, ҳай-ҳай-ҳай.. – дея бидирлай кетди чиноқ йигит унга эргашиб.* М. Мансуров, Ёмби.

Чиноқ бурун 1) кемтиги бор бурун; 2) чандиқ бурун. **Чиноқ қулоқ** Кесик қулоқ.

2 Қулоғи кичкина ёки чандиқли кишиларга қўйиладиган лақаб. *Ёдгорхўжанинг амакиси Қосимхўжа.. Тўрақул чиноқнинг сартароши бўлган.* Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари. *Кўча бошида Аҳмад чиноқ кўринди.* «Ёшлик».

ЧИНОҚЧИ *қ. х.* Чорва молларнинг қулоғини кесиб ёки кертиб, тамға, нишон солувчи киши.

ЧИНЧАЛОҚ *шв.* Жимжилоқ.

ЧИНҚИРИҚ Ингичка ва ўткир овоз, қичқириқ. *Чақалоқнинг чинқириғи. Гудокнинг кар қилгудек чинқириғи.* ▬ *Узоқдан паровоз чинқириғи янгради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЧИНҚИРМОҚ Ингичка ва ўткир товуш чиқармоқ, чийиллаган товуш билан қичқирмоқ. *Гулнора чинқирганча ўрнидан туриб кетди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *-Войдод, кимсиз? Одамлар, ёрдам бе.. – деб чинқирди аёл ва шу заҳотиёқ тинчиб қолди.* «Ёшлик». *Жонивор Ғиркўк от Авазни кўрди, Тўрт оёғин ерга тираб чинқирди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Поезд яна бир чинқирди-ю, қалин дарахтзор ичига шўнғиб кетди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ЧИНҚИРОҚ Ингичка ва ўткир, қулоқ тешгудай қаттиқ (товуш ҳақида). *-Музаффар! – ойимнинг чинқироқ овозига Омоннинг йиғиси қўшилди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧИНҒИЛ, жангал Чўл ва адирларда ўсадиган тиканли бута.

ЧИНҒИЛЛАМОҚ 1 *айн.* **шанғилламоқ.** *Қулоғим чинғиллаяпти.*

2 *айн.* **жиринглaмоқ.** *Эшик қўнғироғи чинғиллади.*

ЧИНҒИРЛАМОҚ *айн.* **чинғилламоқ.**

ЧИП *тақл. с.* Ялпоқ нарсаларнинг аста урилишида, ёпишқоқ нарсаларнинг кўчи-

шида чиқадиган товушларни ифодалайди. *Чип этган товуш.* ▬ *Сариқ, қизил барглар чип этиб ерга шўнғийди.* «Ёшлик».

Чип битмоқ *айн.* **чиппа битмоқ** *қ.* **чиппа.** *Искандарнинг қулоқлари шанғиллаб келиб, чип битди-ю, ҳеч нарса эшитилмай қўя қолди.* «Ёшлик». **Чип ёпишмоқ** *айн.* **чиппа ёпишмоқ** *қ.* **чиппа.** *..баданига чип ёпишган қопқора қондан ғашланиб, [Жавлоннинг] юраги баттар сиқилди.* «Ёшлик».

ЧИПОР Ола-була, олачипор. *Чипор товуқ. Чипор илон.* ▬ *Унда [суратда] каттакон дарахтга ўралиб ётган йўғон чипор илон тасвир этилган.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Изатулла ака боланинг бошини чипор шапкачаси устидан силаркан, «балли», деб қўйди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ЧИППА: чиппа битмоқ Бутунлай, том битмоқ (қулоқ ҳақида). *Гулнор десам, қулоқ чиппа битибди.* «Гулнорпари». **Чиппа ёпишмоқ** 1) яхши, зич ёпишмоқ. *Яктаги икки курагининг ўртасига чиппа ёпишиб, елкаси ачишади.* «Ёшлик». *Пайкалга кирсангиз, этикка лой чиппа ёпишиб, оёғингиз билан қўшиб суғуриб оламан, дейди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси; 2) қуйиб қўйгандай, ўлчагандай лойиқ келмоқ. *Узун самбитдек қоматига, кенг яғринига ҳарбий форма чиппа ёпишиб турибди.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

ЧИППАК I *с. т.* Шиппак, сандал.

ЧИППАК II: **чиппакка чиқмоқ** 1) йўққа, пучга чиқмоқ. *Ёлғон даъволар чиппакка чиқди.* ▬ *Ўқувчиларнинг ишончлари табиат инжиқлиги туфайли чиппакка чиқадиган бўлди.* О. Ёқубов, Олов қалблар; 2) беҳуда, зое кетмоқ. *Салимхон Обидийнинг ҳужуми чиппакка чиқди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЧИППА-ЧИН Шак-шубҳасиз; тўғри, рост, чин. *Чиппа-чин бўлган иш. Сўзларим ёлғон эмас, чиппа-чин.* ▬ *Чиппа-чин ишондинг-а, тавба [деди Искандар].* М. Мансуров, Ёмби.

ЧИПТА I **1** Дағал буюмлар тўқиш учун тайёрланган юпқа тилим-тилим пўстлоқ ва ундан тўқилган нарса. *Нарироқда атрофи чипта девор билан ўралган қўра.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Одатда токни бағазларга тараб боғлаш учун ишлатиладиган пўстлоқ толаси. *Чипта билан боғламоқ.*

ЧИПТА II **1** *с. т.* Поезд, автобус, самолёт каби транспорт воситаларида юриш, учиш ҳуқуқини берувчи билет. *Мана бу гапни эшитинг, Андижонга борганимда, «Максимка» пойизга [поездга] чипта ололмай, начайликнинг [начальник — бошлиқнинг] олдига кирдим.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Бирор томошахонага ёки турли спорт мусобақалари ўтказилаётган жойга кириш ҳуқуқини берадиган расмий қоғоз; билет. *«Пахтакор»нинг ўйинига чипта қолмабди.*

ЧИПТАЧИ *с. т.* **1** Темир йўл билети сотувчиси; кассир.

2 Йўл транспорти билети сотувчиси; кондуктор. *Автобус чиптачиси.*

ЧИП-ЧИП Чип с. такр. *Кўйлагининг икки кураги ўртаси баданига чип-чип ёпишарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЧИПҚОН Тук халтачаси ҳамда унга боғлиқ ёғ бези ва тўқималарнинг йирингли яллиғланиши; йирингли катта чиқиқ; хўппоз. *Насим полвонга чипқон чиққани чин экан, бу даврада олишмади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

Дард устига чипқон *қ.* **дард** I. *Дард устига чипқон деганларидай, Асрорнинг бир дарди икки бўлди.* «Ёшлик».

ЧИР: чир айланмоқ Гир-гир айланмоқ, тез айланмоқ. *Ўйнар бўрон, чир айланиб қор, Тинмай инар кўкдан ер сари.* Уйғун. *Ўнгирларда кўтарилган гирдоб хас-хашакларни чир айлантириб, осмони фалакка олиб чиқиб, қўйиб юборарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧИРАНМАЧОҚ *с.т.* Мақтанчоқ, керилмачоқ. *..Шундай деди-ю, ўзини тутолмай кулиб юборди — Ошнога ишонмади, уни шунчаки чиранмачоқ деб ўйлади.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧИРАНМОҚ 1 Бирор мақсадда бор кучини ишга солиб ҳаракат қилмоқ; кучанмоқ. *Буқа орқасига тисарилиб, уввало чиранди.* «Шарқ юлдузи». *Сандиқ жуда оғир эди, зўрға зинага яқинлаштириб, чиранa-чирана, тепага олиб чиқишди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Арава қилт этмас.. ҳўкизлар ҳарчанд чирангани билан, арава жойидан жилмас эди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 *кўчма салб.* Ўз имкониятларини ҳисобга олмай катта кетмоқ; керилмоқ. -*Чиранманг, полвон, — деди кулиб Ўсаржон.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ўзинг жойсиз [ноўрин] чиранганингдек, мени ҳам ўз ёнингга тортмоқчи бўласан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Аларга мен: -Шоҳи Эрон билан урушаман, деб чиранманг, — дедим. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧИРГИ *шв.* Терлик, ёпиқ (от абзали). *Шул замонда солди отнинг устига Зарлию зарбофдан бўлган чиргини.* «Алпомиш». *Омборхонадан от абзалларини — терлик, беллик, чирги.. юган, эгарни қўлтиқлаб келдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЧИРГИЛИК *шв.* **1** Чиргибоп материал, намат.

2 Чирги. *Чиргилик тикаётганда, калавага мум едирмасанг бўлмайди — эртаси куниёқ чириб тушади.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ЧИРИК 1 Чириган, чириб ишдан чиққан, яроқсиз ҳолга келган. *Чирик пахта. Чирик тиш. Чирик олма.* ▬ *Йигит чирик оғочлар тирқишидан пастга қаради.* С. Сиёев, Аваз. *Чирик сомон ва гўнг ҳиди [Саиднинг] димоғига урилди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 *от* Нарсаларнинг чириган жойи. *Олманинг чиригини олиб ташламоқ.*

3 *кўчма* Ўлиб, йўқ бўлиб бораётган, ҳалокатга юз тутган; носоғлом; эски, бузуқ. *Чирик назария.* ▬ *Драма ёзганда, мавзуни турмушимизнинг нақ чирик бир жойидан олмоқ ва унинг ила баробар адабиёт тарозисига солиб ёзмоқ керакдир.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЧИРИЛДОҚ 1 *сфт.* Чирилловчи, ҳадеб чириллайверадиган.

2 *от* Қанотлари ишқаланиши натижасида «чир-чир» овоз чиқарадиган, тўғриқанотлилар оиласига мансуб ҳашарот; қора чигиртка. *Чигирткалар, чирилдоқлар бири олиб-бири қўйиб хониш қилади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Чинқириб юборар куннинг зўридан Қайгадир беркиниб олган чирилдоқ.* А. Орипов.

ЧИРИЛЛАМОҚ 1 «Чир-чир» қилмоқ; чиғилламоқ. *Бу кеча ҳам бўрилар увлар, Чирилдоқлар чириллар бир-бир.* «Ёшлик». *У ер-бу ерда чигиртка эриниб чириллайди.* «Ёшлик».

2 *айн.* Қаттиқ йиғламоқ (чақалоқ, гўдак ҳақида). *Бешикда ётган болакай тинимсиз чирилларди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Куйиниб, изтироб билан, йиғи аралаш сўзламоқ. *Чириллаб, акам, деб турса бошимда, Қалдирғоч — шўрлик жигарим бўлмади.* «Алпомиш». *Узала тушиб ётган боласининг тепасида хола «Онанг ўлса бўлмасмиди, болам!» деб чирилларди.* «Шарқ юлдузи».

4 *айн.* **чир-чир айланмоқ** *қ.* **чир-чир.**

ЧИРИМОҚ 1 Табиий таъсирлар туфайли парчаланмоқ; айнимоқ, ишдан чиқмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ. *Чириган ип. Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол. ▬ *Тутнинг шохлари тегиб турган айвон устуни қорайиб, чирий бошлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Майли, мени бурдалаб ташласинлар, таним зиндонда чирисин.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Иримоқ, айнимоқ. *Чириган қовун. Чириган олма.*

3 *кўчма* Адойи тамом бўлмоқ, хазон бўлмоқ. *[Йўлчи:] Андак инсоф керак, уят керак. Чолнинг меҳнатда чириган кўксига бигизни қадайверманг!* Ойбек, Танланган асарлар. *-Нари туринг, — Лаъли жаҳл билан эрининг кўкрагидан итарди. — Эсиз умрим, бу ғамхонада чириб кетаётибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 *кўчма* Умри тугаб, ўлиб, йўқ бўлиб бормоқ, ҳалокатга юз тутмоқ. *Золимлар ёққан ўт ёнмасин сира, Қора ниятлари чирисин дилда.* Ғ. Ғулом.

ЧИРИНДИ Чўп-хас, хазон, ўсимлик ва ш.к. нинг чириб, тупроқнинг таркибий қисмига айланаётган қисми, чирик нарса. *Ерга чиринди солмоқ.* ▬ *Чириндининг аччиқ ҳиди димоқни тешгудай эди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧИРИШ I **1 Чиримоқ** фл. ҳар. н.

2 Микроорганизмлар таъсири натижасида бузилиш, айниш ҳодисаси, жараёни. *Ҳозир илмий ходимлар илдиз чириш касалини ўрганишаётган экан.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧИРИШ II: **чиришни бузмоқ** Иш, суҳбат ва ш.к. ни, ўтиришни бузмоқ; битган, бўлиб турган ишни йўқ қилмоқ.

ЧИРИҚЛАМОҚ *айн.* **чирқилламоқ.** *Чумчуқча келиб кетди, Ушоқларни еб кетди, Чириқ-чуруқ чириқлаб, Эрта келай, деб кетди.* У. Баҳромова.

ЧИРК I [*ф.* چرک — кир, ифлос; кирлик, ифлослик] **1** Ёғ ва қурум аралаш ёпишқоқ масса; ис. *Қозоннинг чирки. Чирк босиб қорайган уй.* ▬ *Идиш ювадиган, ишчилар қўл ювадиган жой чирк босган.* Газетадан.

2 Қалин қатирма кир, яғир. *Чирк боғлаб кетган дўппи.* ▬ *Чирк босган кепка кийиб*

юрадиган.. қоп-қора, боши сўпоқ, суяги бузуқ, рангпар йигит. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Қотиб қолган арава мойи.

ЧИРК II *тақл. с.* Чиркиллайдиган қуш ва ҳашаротларнинг овозини билдиради.

ЧИРКИН [*ф.* چرکین – кир, ифлос] **1** Чирк босган, чирк босиб қорайган; хира. *Чиркин ва синиқ шишалар.*

2 Қатирма кир, яғир, исқирт, ифлос. *Улар гулларни севадилар. Кийимлари чиркин бўлса ҳам, чаккаларига гул қистириб юрадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улардан бири енгли майкада, бошига.. чиркин дўппи кийган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 *кўчма* Разил, қабиҳ, тубан. *Чиркин ҳаёт. Чиркин маънавий қиёфа.* ▬ *Бу чиркин ғамхонада жой учун ижара тўлайсизлар-а!* Ойбек, Нур қидириб. *У [Султон Ҳусайн] кеча бир дақиқалик чиркин ҳисга берилиб, бемаъни иш қилганидан пушаймон эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

4 *кўчма* Чирик, чириган, ўлиб бораётган. *Ўтмишнинг чиркин қолдиқлари жамиятимизга иснод келтиради.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЧИРКИНЛАШМОҚ Тубанликка юз тутмоқ, тубанлашмоқ, разиллашмоқ, қабиҳлашмоқ. *Бўҳтончилар.. ўз ғалабалари натижасида юзлари баттарроқ қорайганини, ичлари яна баттарроқ чиркинлашганини сезмайдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ЧИРКИНЛИК Разиллик, тубанлик. *Чиркинликлар тўлган эски дунёдан Учмохлар ундириш бизнинг ишимиз.* Ғ. Ғулом.

ЧИРК-ЧИРК Чирк II с. такр. *Аҳён-аҳёнда жимликни чигирткаларнинг чирк-чирк этган овози бузарди, холос.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЧИРМАЛМОҚ 1 Чирмамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ахири жодугар кампир катта паранжига чирмалиб олган қизни судраб киритди.* «Ёшлик». *Шаҳар касалхонасининг озода хоналаридан биридаги каравотда боши оқ дока билан чирмалган Абдужаббор бир неча соатдан бери ҳушсиз ётар.. эди.* С. Абдулла, Соялар.

2 Ўралиб олмоқ, чирмашмоқ. *Илон дарахтга чирмалди.*

ЧИРМАМОҚ 1 *рвш.* Маҳкам ўраб, чандиб боғламоқ. *Тўқсонта қутини ичкимаички бир-бирига кийдирди, ўраб-чирмаб маҳкамлаб қўйди.* «Маликаи айёр». *Мурид Авазни гужумга чирмаб боғлади.* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Ўраб, қамраб, чулғаб олмоқ; ишғол қилмоқ. *Ишқ ўти [Зевархонни] чирмаб олибди.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Бирдан Низомнинг жисму жонини ҳаяжон чирмаб олди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ЧИРМАНДА *айн.* **чилдирма.** *Йигит чирмандани қўлига олиб, завқ билан чала кетди.* «Ёшлик». *Гумбур, гумбур, гумбурлаб ҳовлиқади чирманда.* Газетадан.

ЧИРМАНДАКАШ *айн.* **чилдирмачи.**

ЧИРМАНДАЧИ *айн.* **чилдирмачи.**

ЧИРМАШМОҚ 1 Маҳкам қучмоқ, ўралмоқ, ўралиб, ёпишиб олмоқ. *Чирмовуқлар — сариқ, суқ чувалчанглар Қийнар райҳонларни чирмашиб олиб.* «Ёшлик». *Илон уни [Юсуф Асвадни] қўйиб юбормай, маҳкам чирмашгани ҳолда, қаттиқ бўға бошлади.* Мирмуҳсин, Илон ўйнатувчи. *Қора сочи белга чирмашиб, Шаҳло кўзлар сўрар эди жон.* Миртемир.

2 Маҳкам ёпишиб, тирмашиб, юқорига интилмоқ, тирмашмоқ. *Ғўлабур сариқ Краснов олдинлашиб, бинокль билан узоққа қаради, сўнгра, ҳарсиллаб-ҳарсиллаб, дарахтга чирмашди-да, теваракни кузатди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бирпасда қарасангиз, пастдаги одамлар арқонга чирмашиб, тоққа чиқиб олишди.* Ойдин, Олтмиш газ арқон. *Қишлоқ этагидан кўтарилган ой олисдаги фарзандлари — юлдузларни кўрмоқ истаб, осмонга чирмашарди.* С. Нуров, Ёстиқ.

ЧИРМАШУВЧАН Қаттиқ чирмашадиган, чирмашиб, ўралиб оладиган. *Чирмашувчан илон. Чирмашувчан ўсимликлар.*

ЧИРМОВ I **Чирмамоқ** фл. ҳар. н. *Ол хабар гулшанда гул аҳволидан, эй боғбон, Ўт гиёҳ чирмовига чирмалди қийноқ ичра гул.* С. Абдулла.

ЧИРМОВ II *айн.* **чирмовуқ.**

ЧИРМОВГУЛ Печакгул, карнайгул.

ЧИРМОВУҚ 1 Девпечак, зарпечак, печакгул сингари чирмашиб ўсадиган ўсимликларнинг умумий номи. *Искандар ўзидан кичикроқ.. боланинг қўчқорга чирмовуқ ўт бераётганини кузатиб туриб, кейин ўзи ҳам аста-секин қўй олдига борди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *айн.* **зарпечак.**

ЧИРОЙ 1 Гўзаллик; ҳусн, кўрк. *Муҳаббат чирой танламас, уйқу — ўрин.* Мақол.

▬ *Асрор, қирққа борган бўлса-да, чиройини, тароватини йўқотмаган бу аёлнинг киприклари узун кўзларига.. қарашга ботинмай, ерга боққанча, «ҳа, кўрдим», деди.* «Ёшлик»

2 Кўзга ёқадиган кўриниш, кўркамлик, кўрк, қиёфа. *Шаҳар чиройи.* ▬ *Бино тайёр бўлгандан кейин унга чирой бериш, нафислик билан ичию ташига кўрк бағишлаш — санъат.* «Саодат». *Чол кўзида ўзгарар ҳар он Қишлоғининг чиройи, туси.* Ҳ. Олимжон.

Чиройи очилмоқ Кайфияти яхшиланмоқ. *Муҳсина хонимнинг чиройи очилди: эрини бундай жаҳлдору чўрткесар ҳолда кўриш унга ёқарди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Оқсоқолнинг чиройи очилиб, «Баракалла, оқил йигит экансан», дегандай мийиғида кулумсирабди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧИРОЙЛИ 1 *сфт.* Ҳусни одатдагидан ортиқ; гўзал; кўркам. *Чиройли қиз.* ▬ *Чолнинг келини чиройли, оппоқ, кўзга яқин жувон эди.* «Ёшлик». *Шаҳарда шундай чиройли қизлар бор — кўрсанг, оғзинг очилади.* «Ёшлик»

2 *сфт.* Кўриниши, ташқи қиёфаси кўзга ёқимли кўринадиган. *Энг чиройли қуш деганда, ҳамманинг кўз ўнгига оққуш келиши табиий.* Газетадан. *Биласизми, дунёда чиройли нарсалар шундай кўпки! Ўрмон, капалак, тонг, ўтлоқ, тун..* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 *сфт.* Манзараси кўзга ёқимли; кўркам. *Фарғонадан йўлга чиққан енгил машина чиройли асфальт йўлда учиб борарди.* Мирмуҳсин, Умид. *-Марказ чиройли бўлиб кетди-а, одам суюнади, — деди Чарос мамнун жилмайиб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 *сфт.* Яхши; ўринли; манзур. *Чиройли гап. Чиройли тўй.* ▬ *Чиройли маърузага маҳлиё бўлиб, руҳиятимда сусткашлик бошланди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Минг афсуски, ҳозир тўйларда ўйин-кулги, чиройли анъаналар санъатини намойиш қилиш эмас, исрофгарчиликлар меъёридан ошиб кетади.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳар бир ота-она орзиқиб кўрган фарзандига чиройли ва мазмундор исм қўйишга ҳаракат қилади.* Газетадан.

5 *рвш.* Ёқимли, жозибали, батартиб; ўрнига қўйиб. *Чиройли гапирмоқ. Чиройли қадам ташламоқ. Чиройли кийинмоқ.* ▬ *-Вой, шунақами? — Офтоб ўспиринга қараб, чиройли жилмайди.* М. Мансуров, Ёмби. *Бирор ишни пухта ва чиройли қилган одамни тангри дўст тутади.* «Фан ва турмуш».

ЧИРОЙСИЗ Кўримсиз, хунук.

ЧИРОҚ [*ф.* چراغ — чироқ] **1** Хонани, жойни ёритиш учун хизмат қиладиган уй-рўзғор асбоби; лампа. *Жин чироқ. Неон чироқ. Осма чироқ.* ▬ *Баширжон электр чироқлари порлаб турган катта йўлдан юришга истиҳола қилибми.. ўзини қоронғилик қўйнига урди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Унинг [ўтовнинг] ичи иссиқ, лампа чироқ чароғон қилиб турарди.* Газетадан.

2 Машина, телевизор, радио ва ш.к. нинг ёниб турувчи қисми. *Машина мотори гуруллаб, чироқлари асфальт йўл, ресторан деворларини пийпаслаб ўтди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 *кўчма* Фарзанд ёки яқин одам. *Чироққинам, шундай ёмон туш кўрдим.* «Юсуф ва Аҳмад». *Ўғил тугул, йўқдир-да бирор қизим, Чамбилда чироқсиз ўтганман ўзим.* «Нурали».

Ичига чироқ ёқса ёришмайди Жуда хафа, тушкун кайфиятда. *Дилдорнинг ичи чироқ ёқса ёришмас, ҳамма нарсага бефарқ эди.* «Саодат». **Чироғини ёқмоқ** Марҳумдан кейин унинг уй-жойини обод қилиб, хотирасини асрамоқ. *Ўғил ёққан чироқни қиз ҳам ёқар.* Мақол. ▬ *-Мендан кейин чироғимни ёқадиган шу набирам, — деди кампир.* «Ёшлик».

ЧИРОҚПОЯ [*ф.* چراغپایه — чироқ таглиги] Чироқ қўядиган таглик, чироқ ўрнатиладиган учоёқ. *Кеч бўлди, мен қора чироқни ёқиб, чўпдан ясалган чироқпоя устига қўйдим.* С. Айний, Эсдаликлар. *[Ойхон:] Ҳаммаси бор. Бешик билан чироқпояси қолди, холос.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ЧИРОҚЧИ 1 Кўча чироқларини ёқувчи; чироқ тутувчи; чироғбон.

2 *кўчма* Уй-хонадон чироғини ёқиб, унинг анъаналарини давом эттирувчи, ота-она хотирасини сақловчи авлод. *Нодира Анварни.. отасининг уйига чироқчи қилмоқчи эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЧИРОҒБОН [*ф.* چراغبان — чироқларга қаровчи] *айн.* **чироқчи 1.** *Чироғбон кетидан йўлакка кирдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЧИРПИНДИ Пойтеша, болта билан чопиш натижасида тўпланган майда-чуйда ўтин, тутантириқ; пайраҳа.

ЧИРПИРАК: чирпирак бўлмоқ 1) гир-гир айланиб, буралиб-буралиб учмоқ. *Гирдоб раққосадек чирпирак бўлиб айланиб келиб, ўтиб кетди-ю, саксовулзорда олатўполон бошланди.* «Ёшлик»; 2) умбалоқ ошиб, оёғи осмондан бўлиб йиқилмоқ, чархпалак бўлмоқ. *Ўлмас чирпирак бўлганича, кўрпанинг устига учиб тушди.* «Ёшлик». **Чирпирак қилмоқ** 1) гир-гир айлантирмоқ. *Улар [одамлар].. бир-бирларини табриклаб қучоқлашар, чирпирак қилиб айлантиришар.. эди.* М. Мансуров, Ёмби; 2) умбалоқ ошириб, чархпалак қилиб йиқитмоқ. *У [Зарина] бехосдан келиб, йигитни белидан олди-да, чирпирак қилиб, улоқтириб юборди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧИРПИРАМОҚ 1 Гир-гир айланмоқ, гир-гир айланиб учмоқ, чирпирак бўлмоқ. *Ер уюмлари фиғон билан чирпираб, гирдоб каби кўкка кўтарилади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Умбалоқ ошиб йиқилмоқ, чархпалак бўлмоқ. *Худойқул пастга қараб чирпираб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИРПИТ [*р.* четверть («чорак, тўртдан бир») с. нинг бузилган шакли] *с. т.* Метрик ўлчов системаси қабул қилингунча ишлатилган, уч литрга яқин ҳажм ўлчов бирлиги ва шу ҳажмдаги шиша идиш. *Пешинга яқин Оқсоқолникидан тўй келди: ярим қоп гуруч, бир чирпит ёғ, бир қоп ун.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *-[Эчкининг] Онаси ҳар йили иккитадан туғади, — дерди даллол шанғиллаб, — кунига бир чирпитдан сут беради.* «Ёшлик».

ЧИРС *тақл. с.* Шиша, муз ва ш.к. нинг синишидан, қуруқ ўтиннинг ёнишидан чиқадиган кучсиз товушларни билдиради. *Лампа шиша чирс этиб синди.* ▬ *Тухум тошга тушиб, чирс этиб ёрилди.* «Ёшлик». *Қадам босган сари оёғи остидаги муз чирс этиб ёриларди.* Газетадан.

ЧИРСИЛЛАМА 1 Чирсиллаб ёрилгудай таранг, етилиб турган. *Чирсиллама қовун.*

2 Чирсиллаб ёнадиган, қуруқ. *Чирсиллама ўтин.*

3 *кўчма* Қирчиллама, аччиқ, қаттиқ. *Чирсиллама совуқ.*

ЧИРСИЛЛАМОҚ 1 «Чирс-чирс» овоз чиқармоқ. *Каттакон тўнкадан чирсиллаб олов сачраяпти.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Магнитофоннинг лентаси тугаб, чирсиллаб айлана бошлади.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Жаҳли чиқиб кетмоқ; асабийлашмоқ. *Энди Ҳалима чирсиллаб кетди: -Ҳа, сенга ҳазил қилиб ҳам бўлмайдими!* Ў. Усмонов, Қисмат.

3 *кўчма* Долзарблик касб этмоқ; кескин тус олмоқ, кескинлашмоқ. *Пахта масаласи — ҳамма вақт чирсиллаб турган масала.* Мирмуҳсин, Умид. *Замон чирсиллаб турибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

4 *кўчма* Синиб кетай демоқ. *Меҳмонхона. Зиёфат столи ноз-неъматлардан чирсиллаб турипти.* «Муштум».

5 *кўчма* Кучаймоқ, зўраймоқ (совуқ ҳақида). *Ҳамма ёқ кўкиш қор билан қопланган, совуқ чирсилларди.* М. Осим, Элчилар.

ЧИРС-ЧИРС Чирс с. такр. *Кимдир чирс-чирс синдириб, бурган ҳидини анқитиб, чўп узатди.* М. Мансуров, Ёмби. *Пилиги сўхта чироқ чирс-чирс қилди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧИРТ I *тақл. с.* Ип узилиши, чўпнинг синиши ва ш. к. дан ҳосил бўладиган кескин товушларни ифодалайди. *Ип чирт узилди.* ▬ *Илкис бир силтовдан арқон чирт узилди.* «Шарқ юлдузи». *..ҳар замонда олтинранг барг чирт узилиб, пилдираб учарди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Шербек тишлари орасидан чиқариб, чирт этказиб тупурди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧИРТ II *рвш.* Шартта, кескин. *Чирт ўгирилмоқ. Чирт бурилмоқ.* ▬ *Гулсумнинг лаблари чирт юмилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кўзни чирт юммоқ 1) кўзни қаттиқ юммоқ. *Севаргул беихтиёр чинқириб, кўзларини чирт юмди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Жамол полвон кўзларини чирт юмиб олди.* «Шарқ юлдузи»; 2) *кўчма* бўлганча бўлар деб, таваккал қилмоқ. *Кўзни чирт юмиб, тўйни бошлайверинг.*

ЧИРТИНГ-ПИРТИНГ *с. т.* Майда-чуйда, арзимас. *Чиртинг-пиртинг гап. Чиртинг-пиртинг олиб, пул ҳам тамом бўлди.*

ЧИРТ-ПИРТ: чирт-пирт бўлмоқ *с. т.* Майда-чуйдага сарфланиб тамом бўлмоқ. *Баъзи вақтда унча-мунча пул ҳам сўраб оламан. Лекин чирт-пирт бўлиб, қўлдан учади-кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧИРТТА *кам қўлл. айн.* **чирт** II. *Шундай пайтларда юрагим қинидан чиқиб, кўзимни*

чиртта юмиб олиб, чопиб ўтардим. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЧИРТ-ЧИРТ Чирт I с. такр. *Чирт-чирт узилмоқ.* ▬ *[Мамажон] Ойнани чирт-чирт чертиб, сим-сим ёғаётган ёмғирга, қоп-қора булутларга хўмрайиб қарарди.* С. Нуров, Нарвон.

ЧИР-ЧИР: чир-чир айланмоқ *айн.* **чир айланмоқ** *қ.* **чир.**

ЧИРҚ *тақл. с.* Қушларнинг чирқиллаши, баъзи майда нарсаларнинг урилиши ва ш. к. дан ҳосил бўладиган товушларни ифодалайди. *Кўп ўтмай бир қушча чирқ этди. Кечаги читтакмикан?* А. Мухтор, Чинор. *Роҳила сумкани чирқ этиб беркитди-ю, кўчага қараб чопди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

ЧИРҚИЛЛАМОҚ 1 «Чирқ-чирқ» овоз чиқармоқ. *Ғор олдидан ўтиб кетаётсам, бир гала чумчуқ чирқиллаб ётипти.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Тик жарга ин қуриб, чирқиллашиб ётган минг хил қушларнинг уни ўчиб, ўзи гурра кўтарилди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Қаттиқ қичқириб, чинқириб йиғламоқ (ёш бола ҳақида). *-Мана сенга тепиш! — Карим қўлидаги думалоқланган қорни кучининг борича отди. Саида юзини чангаллаганича чирқиллаб қолди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Зорланиб, илтижо қилиб ёки куйиниб гапирмоқ. *-Яхши кўрасан деб, атай манти қилаётган эдим. Бир оз шошма, еб кет, — деб чирқиллаганича қолди она.* М. Алавия, Севинчларим. *Орадан озгина вақт ўтгач.. Жўравойнинг ўзи ва унга ҳамдардликда чирқиллаб, одамларни ёрдамга чақираётган бир хотин қолди, холос.* «Ёшлик».

4 *кўчма* Моддий муҳтож, оч ҳолатда бўлмоқ; қарам бўлмоқ. *Уйимда саккизта бола чирқиллаб турипти, қандай боқаман уларни?* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

Арвоҳи (*ёки* **руҳи) чирқилламоқ** Арвоҳи безовта ёки норози бўлмоқ. *Тушига раҳматли Биноқул кирибди: қўлларини фотиҳага очиб турган эмиш. «Арвоҳи чирқиллаб юрибдимикан?» дея эзилди Ҳофиз Кўйкий.* «Ёшлик». *Шўрлик Адолатимнинг руҳи чирқиллаб ётгандир менинг бу ишимдан?!* О. Мухтор, Эгилган бош.

ЧИРҚИРАМОҚ *айн.* **чирқилламоқ 1, 2.** *Қарчиғай чирқирар баланд уяда.* «Эрали ва Шерали». *Чирқираб йиғлаётган боланинг овозини эшитиб.. ичкарига отилдинг.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

ЧИРҚ-ЧИРҚ Чирқ с. такр. *Сокинликда боғ тўридан ёлғиз чигиртканинг чирқ-чирқи.. эшитилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧИСЛО [*қад. р.* число < чит-сло > читать — ўқимоқ, билиб олмоқ] *с.т.* Ой-кун, сана. *Тўртинчи число. Биринчи число.* ▬ *-Ўтган йилнинг худди шу бугунги числоси эсингдами? — сўради Баҳодир қиздан.* «Ёшлик».

ЧИСТОН [*ф.* چستان < چه‌است‌آن — у (бу) нимадир?] **1** Топишмоқ, жумбоқ.

2 Қочириқли гап, ибора; қочириқ, қочирим. *Ҳа, тилингиздан олганми, нега индамайсиз? — чистон қилди яна Лобархон.* Газетадан. *Олимбой ака энди тўю ҳашамларда илгаригидек гапирмас, аскияга аралашадиган бўлса, юмшоқроқ қилиб, суяб чистон қилар эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

3 *ад.* Шарқ шеъриятида лирик жанрлардан бири: нарса ёки ҳодисанинг муҳим белгиларини мажозий тавсифлаб, унинг нима эканлигини топишни ўқувчига ҳавола этадиган, икки байтдан ўн байтгача бўлган шеърий шакл. *Шоиранинг [Увайсийнинг] шеърлари «Девон»да жамланган бўлиб, у асосан чистон жанрида катта шуҳрат қозонган.* С. Матжон ва Ш. Сариев, Ўзбек адабиёти.

ЧИСТОНЧИ Чистон, қочирим билан гапирувчи, чистонга, қочиримга уста одам.

ЧИТ [*ф.* < *ҳинд.* چیت — гулли ип газлама] **1** Пахта толасидан тўқилган мато, газлама. *Сидирға чит. Гулли чит. Астарбоп чит.* ▬ *[Хол Бўтаевич:] Ҳа, айтгандай, онангиз тунов куни бир тўп чит сўраган эди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 *сфт.* Читдан тайёрланган, тикилган. *Даҳлизнинг ярмисини тўсиб турган гулли чит парда кўтариб қўйилган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Кўп ўтмай уйидан енглари кенг ва узун чит кўйлак кийиб.. чайир бир аёл чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа

ЧИТГАР [*ф.* چیتگر — газламага гул босувчи] *эск.* Бўз матога ўйма ёғоч қолип ёрдамида гул босувчи ҳунарманд, уста. *Читгарлар илгари барча жараён (тўқиш, бўяш ва гул босиш)ни устахоналарда бажаришган.* «ЎзМЭ».

ЧИТГАРЛИК Матога гул босиш; читгар касби. *90-йиллар читгарликда ўзига хос ривожланиш босқичи бўлди: чойшаб, дас-*

турхон каби бадиий буюмлар билан бир қаторди замонавий либосларни ишлаб чиқаришда ҳам читгарлик санъати кенг қўлланади. «ЎзМЭ».

ЧИТИР I *тақл. с.* Қуруқ хашак ёнганда чиқадиган товушга ўхшаш кучсиз товушларни билдиради. *Хашак читир этиб аланга олди.*

ЧИТИР II Чўл, адирларда ўсадиган бир йиллик ёввойи ўсимлик (ипак қурти пилла ўраши учун дасталаб қўйилади). *Гиёҳларнинг номлари ҳам ёдимдан чиқай деган экан: ёвшан, янтоқ, каврак, қушқўнмас, читир..* М. М. Дўст, Лолазор. *Гулзира райҳон ҳиди келиб турган читир дасталарини иккита-иккитадан кўтариб, ичкарига ташиб турди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ЧИТИРЛАМОҚ «Читир-читир» қилмоқ, «читир-читир» овоз чиқармоқ. *Тун оққанда, Қумри ўрнидан аста туриб, токчада читирлаб ёнаётган чироқни пуфлаб ўчирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЧИТИР-ЧИТИР **Читир** с. такр. *Қоқ чўкиртакларнинг керосин сепгандай читир-читир этиб ёниши қизиқ туюлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЧИТМОҚ *фольк.* Чимирмоқ. *Қошинг читиб, қовоғингни уясан, Мендайин шунқорнинг кўнглин бўласан.* «Авазхон». *Қошу қовоғин читиб, Айладинг бизни хаста.* «Қўшиқлар». *Эрназар полвоннинг йўриғи эса бўлак — биргина қовоқ читишининг ўзиёқ юракни ларзага солади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЧИТТАК Кичкина, чаққон, сайроқи қуш. *Читтак дарахт коваклари ва шохшаббаларига уя қуради.* «ЎзМЭ». *Мен осмонни тутиб турган читтак — аканг қарағай!* Газетадан.

Қанотсиз читтак Бир жойда муқим туролмайдиган, қўнимсиз, бекарор (енгил-табиат одамлар ҳақида). *[Қодир:] Мен қанотсиз читтакнинг уйига борган эдим, маълум бўлишича, у ерда қанотсиз қузғунлар ҳам бор экан.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ЧИТФУРУШ [*ф.* چیت‌فروش — чит сотувчи] Чит савдоси билан шуғулланувчи савдогар; баззоз. *Бувайдалик Низомиддин читфурушнинг ўғли Ғиёсиддин Бухоронинг Девонбеги мадрасасида таҳсил кўриб юрган пайтларида отаси уни оқ қилди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЧИТФУРУШЛИК Чит сотиш билан шуғулланиш; читфуруш касби. *Бизнинг бу атроф маҳалладаги кўп бойлар.. баъзилари Тошкент бозорларидаги расталарда читфурушлик, чойфурушлик.. қилар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Бозорда чит дўконлари қатори, растаси.

ЧИХ *унд. с.* Туя чўктиришда ишлатиладиган сўз.

ЧИЧАНГЛАМОҚ *шв.* Дикангламоқ, ўйноқламоқ. *[Мадамин] Отнинг ёлига ёпишиб, қорнига тепди, от бир чичанглаб, уни учириб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИЯ I Тоғли ерларда ўсадиган ёввойи олча ва унинг меваси. *Тошкентларга посилкалар солайин, Ёр емакка чия, олма олайин.* «Қўшиқлар». *Ғир-ғир шамол эсади, қоракапд, чияларнинг ёқимли иси анқийди.* С. Муродбеков, Ёвшан иси.

ЧИЯ II: **чияси чиқмоқ** *фольк.* Сири очилмоқ. *Фарзанд бўлар кишининг меҳригиёси, Айрилганнинг чиқар экан чияси.* «Орзигул».

ЧИЯБЎРИ Итсимонлар оиласига мансуб йиртқич сутэмизувчи ҳайвон; шақал. *..арслон ўзи ов қилади.. чиябўри эса арслондан қолган-қутган майиб-мажруҳларни териб юради.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧИҚ *тақл. с.* Баъзи қушларнинг сайраши, енгил нарсаларнинг бирор нарсага урилишидан чиққан ва шунга ўхшаш товушларни ифодалайди. *Қулф чиқ этиб очилди. Чумчуқ чиқ этди.* ▬ *Аҳмад чўчиб ўрнидан турди, қулоғидаги қалам ерга чиқ этиб тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Онам, томчининг ҳар «чиқ» этгани бир кунлик умрнинг чиққани, дейдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИҚАВЕРИШ Бирор ердан, мас. уй, шаҳар, вокзал ва ш. к. дан ташқарига чиқиш жойи; *зид.* **киравериш.** *[Сидиқжон] Қишлоқнинг чиқаверишида унга етиб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *[Саттор] Шу хаёл билан чиқаверишга борди-ю, кечаги дўхоба дўппили қоровул чолга йўлиқди.* Ў. Усмонов, Қисмат.

ЧИҚАЗМОҚ **Чиқмоқ** фл. орт. н. *Элликбоши шу қизини қаролига бериб, катта ердаги қўрғонга чиқазиб юборди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЧИҚАРМОҚ **1** **Чиқмоқ 1–4, 6, 8–10, 12, 13, 21, 24, 26, 27, 29-31, 35-37, 39-41** фл. орт. н. *Тоққа чиқармоқ. Варракни осмонга чиқармоқ. Трамвайга чиқариб қўймоқ. Эсдан*

чиқармоқ. Эсини чиқармоқ. Четга мол чиқармоқ. Газлама чиқармоқ. Завод йилига минглаб трактор чиқаради. Қарор чиқармоқ. Қонун чиқармоқ. Ҳукм чиқармоқ. Пул чиқармоқ. Шира чиқармоқ. Қурилиш учун маблағ чиқармоқ. Отни аравадан чиқармоқ. ▬ *[Ўзбек ойим:] Тойчоғимнинг кўрманасини чиқар, дадаси!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аммо, энди роҳатини кўради, энди сизларни рўёбга чиқараман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шундай деб ҳисобламоқ. *Бировлар уни модернист деди, бошқалар донишмандга чиқарди.* «Ёшлик».

3 Феъл билан бирга қўлланиб, тахмин, чама маъносини билдиради. *Унинг [Мирвалининг] бу жарликка келмаганига ҳам беш-ўн йил бўлган чиқаров.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

Учини чиқармоқ 1) қаламнинг уч томонидаги ёғоч қисмини тарашламоқ. *..курсида доимо қоғоз, учи яхшилаб чиқарилган бешўнта қалам тайёр туради.* Газетадан; 2) мақсадга ўтмоқ. *Ниҳоят, Ошно гапнинг учини чиқарди.* М. М. Дўст, Лолазор. **Қиз чиқармоқ** Узатмоқ, эрга бермоқ. *Ёзда қанча ташвишим бор: қизимни чиқаришим, ўғлимни уйлантиришим керак.* «Ёшлик». **Қон чиқармоқ** *қ.* **қон 1.** *[Беккул:] Биринчи иморатга қон чиқарган эдингми?* «Ёшлик».

ЧИҚАСИ: чиқаси келса Агар чиқадиган, кетадиган, йўқоладиган бўлса. *Чиқаси келса, эгаси сабаб бўлади.* Мақол. ▬ *-Дард чиқаси келса, табиб эшикдан келар, деган гап бор эди, — деди Зулфизар.* «Зулфизар билан Авазхон».

ЧИҚИЛЛАМОҚ «Чиқ-чиқ» ёки «чиқир-чиқир» овоз чиқармоқ (соат, механизм, ҳар хил нарсалар, асбоблар ҳақида). *Машина тинмай чиқилларди.* ▬ *Девор соати чиқиллагани қулоғимга кириб, ўша ёққа қарадим.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ЧИҚИМ 1 Сарфланган ёки сарфланадиган моддий маблағ; харажат, буромад. *Тўй чиқимлари. Чиқим дафтари. Чиқимига қараб кирими.* Мақол. ▬ *Эсонбой, ҳозир Ҳури сариқ.. камёб молларни чиқим қилмай олиб келиш қийинлигидан ҳасрат қилади, деб ўйлаган эди.* «Ёшлик». *Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўйи ҳам бор.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Тез ва яхши дам ейиш хусусияти, татим (асосан чой ҳақида). *Чиқими яхши чой.*

ЧИҚИМДОР 1 Кўп сарф-харажат, чиқим қилган ёки қиладиган одам. *Чиқимдор бўлмоқ.* ▬ *Беҳуда нарсалар учун қудасини чиқимдор қилавериш кўнгилни қолдирмасмикин?* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Кўп чиқим, харажат талаб қиладиган, серчиқим. *Чиқимдор соҳа. Чиқимдор қурилиш.*

ЧИҚИМЛИ Моддий маблағ, чиқим, сарф-харажат талаб қиладиган; чиқимдор, серчиқим. *Чиқимли иш. Чиқимли қурилиш.*

ЧИҚИНДИ 1 Керакли қисми ишлатилгандан қолган нарсалар; чиқит, қолдиқ. *Саноат чиқиндиси. Нефть чиқиндиси.* ▬ *Табиатни ифлослантирадиган офатлардан яна бири чиқиндилардир.* «Фан ва турмуш». *Республикамиздаги ёғ-мой комбинати чиқиндиси йилига 80 000 тоннадан ортиб кетди.* «Фан ва турмуш».

2 Ахлат. *Жамики ахлат шу сувга тушади. Айниқса ёғингарчилик, сел пайтларида ёнбағирлардаги жами хонадонларнинг чиқиндилари ўрлардан тошиб, шу сойга тушади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 *кўчма салб.* Тубан, паст (одам ҳақида). *Сабр косаси тўлган Қўзибой ака умрида биринчи марта дағал гап қилди: -Э, сиздақа чиқинди.. Э, ҳатто ўғитга ҳам ярамайди.* Ф. Мусажонов, Чиқинди.

ЧИҚИР *тақл. с.* Майда тош, чинни ёки кичик металл буюмларнинг бир-бирига урилиши ва ш. к. га ўхшаш товушларни ифодалайди. *Чойнак қопқоғининг чиқир-чиқири.*

ЧИҚИРЛАМОҚ *айн.* **чиқилламоқ.**

ЧИҚИР-ЧИҚИР Чиқир с. такр. *Машинанинг чиқир-чиқири.* ▬ *Қўшни хонадан машинканинг чиқир-чиқири эшитиларди.* Газетадан.

ЧИҚИТ 1 Чиқинди, қолдиқ. *Босмахона чиқитлари.* ▬ *Ҳар тарафга тарқаб юрган товуқлардан иккита-учтаси сигир охури тагидаги юзароқ пўчоқларни, шунга ўхшаш сабзавот чиқитларини титиш билан машғул.* «Ёшлик».

2 Яроқсиз нарса; брак. *Кеча акт билан чиқитга чиқарилган ресторанниниг нимдош чойнак-пиёлаларидан бир дастасини уйга юборсак бўларди-ю..* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

3 *кўчма* Чиқиндига чиқарилган, паст назар билан қараладиган (одам ҳақида). *У вақтларда хўжайинлар камбағални одам*

қаторидан чиқит ҳисоблашган. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Асосий ишдан четда қолган. *Бригадада кўп одам «чиқитга» чиқиб кетади. Бригадирларнинг ўзи, ошпаз, табелчи, аравакаш, ясли ходими, шийпон қоровули.* С. Нуров, Парвоз.

ЧИҚИШ 1 Чиқмоқ фл. ҳар. н. *Уйдан чиқиш. Далага чиқиш. Автобусга чиқиш.* ▬ *Ҳаво айниятти. Бунақа ҳавода чўққига чиқиш хавфли.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Қуёшнинг, ойнинг уфқдан кўтарилиш пайти, кўриниши. *Ўрданинг кун чиқиш томонидаги ихчам ғиштин хона — хазина, унинг сўл томонидаги хоналарда тўпларнинг ўқдориси, баъзи қурол-яроғлар сақланади.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

3 Нутқ, мақола, асар, сўз ва ш.к. билан қатнашиш, кўриниш. *Катта чиқиш қилиш. Олимнинг газетадаги чиқиши.* ▬ *[80-йилларда] Матбуотда чиқиш қилган амалдор борки, ўзбек халқига осилди.* «Фан ва турмуш».

Чиқиш келишиги *тлш.* Иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрни, манбаи, сабаби каби маъноларни билдирадиган, кимдан? нимадан? қаердан? каби сўроқларга жавоб бўладиган келишик.

ЧИҚИШМОҚ 1 Чиқмоқ фл. бирг. н. *Ишга чиқишди. Йўлга чиқишди. Уйдан чиқишди. Томга чиқишди. Сайлга чиқишди.* ▬ *Орадан бир соатча вақт ўтгач, кириб кетганлар бирин-сирин чиқиша бошлади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Муроса қилмоқ, аҳил, иттифоқ, эл бўлиб яшамоқ ёки ишламоқ. *У ҳамма билан чиқишади.* ▬ *Бу афандихон билан чиқишолмайдиганга ўхшайман.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Айниқса, тоғаси Самад билан унча чиқишмайди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

3 Ёқтирмоқ. *У мушук билан чиқишмайди.*

ЧИҚИШОҚ Ҳамма билан тез чиқишиб кетадиган, тез эл бўладиган; киришимли. *Каминада уч келин бор. Келинларим жуда чиқишоқ, ҳар ишда ҳамжиҳат.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЧИҚИҚ 1 *от* Яра, говмижжа, чипқон сингари касалликлар. *Чаканда яра-чақа, ҳар хил чиқиқларга даво бўлади.* Газетадан.

2 *от* Суяк чиққан жой. *Максим ана шундай чоғларда, айниқса, бетоқат болаларнинг синиғини ушлаб, чиқиғини солаётганда, уларни овутиб, кўнглини топиб шифолар эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *от* Туртиб чиққан жой, дўнг, дўмбоқ ер. *Қуйманинг чиқиғи. Деталнинг чиқиғи. Чиқиғини текисламоқ.*

4 *сфт.* Туртиб чиққан; бўртган. *Лекин бу кулча юзли, ёноқлари хиёл чиқиқ.. қиз Ҳуббижамол эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Кўриб оғзим очилиб қолди: унинг [хўжайиннинг] ёши олтмишлардан ошган, елкаси чиқиқ, калта соқол чол.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

ЧИҚМОҚ 1 Юқорига, баландга ёки бирор нарса устига кўтарилмоқ. *Тепага чиқмоқ. Дарахтга чиқмоқ. Тоққа чиқмоқ.* ▬ *Қоровул тепаликка чиқиб, ҳар томонни диққат билан кўздан кечирди.* «Ёшлик». *Альпинистлар шу чўққига чиқиб, уни забт этишга аҳд қилдилар.* Газетадан.

2 Бирор транспорт воситасига тушмоқ, ўтирмоқ, минмоқ. *Автобусга чиқмоқ.* ▬ *Фосиҳ афанди сўрига эмас, извошга чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона, т. о.

3 Бирор ҳаракатни амалга ошириш ёки бирор нарсага эришиш мақсадида муайян жойга бормоқ. *Дўконга чиқди. Сувга чиқди.* ▬ *У бир куни саккиз юз йигит билан овга чиқибди.* «Булбулигўё». *-Нега яна Эрали билан тўйга чиқдинг? — деди эр.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Эрининг намоз ўқиш учун масжидга чиқиши янгилик эмас.* «Шарқ юлдузи».

4 Бирор мақсадда узоқ жойга бормоқ, турган жойидан узоқлашмоқ. *Бир соатдан сўнг узоқ йўлга чиқаман.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Муқбил бир қаландар суратига кириб, сафарга чиқибди.* «Чалпак ёққан кун».

5 Табиий йўналишини ўзгартирмоқ, тошмоқ. *Сув тошиб, қирғоққа чиқди.* ▬ *Фақат анҳор ўз ўзанидан чиқолмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 Кўтарилиб, баландлашиб, бирор даражага етмоқ (турли жараёнлар ҳақида). *Иссиғи қирққа чиқди. Қон босими юзга чиқди.*

7 Умрнинг маълум бир муддатига, пайтига етмоқ. *Ёшим қирққа чиқди.* ▬ *-Ҳисоблаcам, бир кам тўқсонга чиқибман, — деди чол.* «Ёшлик».

8 Бирор ҳаракат, уриниш натижасида янги бир ҳолатга ўтмоқ, эришмоқ, етмоқ. *Озодликка чиқмоқ.* ▬ *Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ — биз ҳам ёруғ кунларга чиқамиз.* «Ёшлик». *Сусамбилликлар*

энди тамом эркинликка чиқиб.. сал кунда семириб кетибдилар. «Чалпак ёққан кун».

9 Ичкаридан ташқарига йўналмоқ, ичкаридан ташқарига ҳаракатланиб, маълум жойга етмоқ. *Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.* Мақол. ▬ *Лип этиб бир қора шарпа уйдан чиқиб кетди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Жўра қизиқ индамай, боши эгилганича, кабинетдан чиқиб кетди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Келин уйдан ҳовлига чиқди.* «Ёшлик».

10 Чуқур жойдан юқорига ҳаракатланиб, уни тарк этмоқ. *Ўрадан чиқмоқ. Жардан чиқмоқ.* ▬ *Бу орада Ҳасан акалар ҳам чуқурликдан чиқиб олишади.* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

11 Белгиланган йўлдан, йўналишдан toймоқ, чекинмоқ. *Машина издан чиқди. Ўқувчи дафтар чизиғидан чиқиб кетди.*

12 Бўшалмоқ, қутулмоқ, озод бўлмоқ (ҳайвон ва паррандалар ҳақида). *Тулки қопқондан чиқиб, қочиб қолди.* Газетадан. *Бургут чангалидан чиқиш осон эмас.* М. Мансуров, Ёмби. *Эринмасдан тўр тўқийман, илинган жойга тузоқ ёзаман.. токи ўлжа қўлдан чиқмасин.* М. М. Дўст, Лолазор.

13 Суғурилмоқ, ажралиб кетмоқ. *Машинанинг ғилдираги чиқиб кетди.*

14 Қийин шароитдан ёки бирор мавсумдан ўтиб олмоқ. *Қирқ олтинчи йил оғир келди.. Урушдан янги чиқилган, одамлар эзилган.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

15 Бунёд қилинмоқ, ясалмоқ, ишлов берилмоқ. *[Тақинчоқнинг] Тилла симдан тўқилган икки жуфт шокиласи, худди кеча заргар қўлидан чиққандек, ярқирайди.* М. Мансуров Ёмби. *Шоир қаламидан чиққан мисралар қоғозга шиддат билан битилмоқда эди.* Газетадан.

16 Бирор фаолият доирасидан четда қолмоқ; фаолиятни тўхтатмоқ. *Урфдан чиқмоқ.* ▬ *Ҳой Абдумажид, нима бало, хотининг одамгарчиликдан чиқиб қолганми, дейман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳозирга келиб.. грамматикализация асосидаги усуллар истеъмолдан чиққан.* «ЎТА».

17 Бирор жойдан, табақадан пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ, бирор даражага етишмоқ. *Ишчидан чиққан ёзувчи. Сендан яхши футболист чиқади.* ▬ *Мусаввирнинг Шарқ халқлари орасидан чиққан машҳур кишилар.. қиёфасини акс эттирган асарлари ҳам томошабин эътиборини тортади.* Газетадан. *Тамаки асли Ҳиндистондан чиққан.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Сен каллаварамдан космонавт тугул, шофёр ҳам чиқмайди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

18 Бирор руҳий ҳолатдан қутулмоқ. *У газетани ёнига қўйиб, бир неча минут столни чертиб, ҳозир ўқиган нарсалари таъсиридан чиқолмай туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

19 Бирор нарсадан безор бўлмоқ, зерикмоқ ёки кўтара олмай қолмоқ. *У ошдан чиқиб қолди. Ёш болаларнинг хархашасидан жуда чиқибман.*

20 Тамом бўлмоқ, охирламоқ, ўтмоқ, тугамоқ, кечмоқ. *Чилла чиқди.* ▬ *-Ҳа, энди қиш чиқди, — дейишди кўзли деҳқонлар.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

21 Вужудга келмоқ; пайдо бўлмоқ. *Машинанинг «Матиз» деган янги хили чиқибди.*

22 Топилмоқ. *Йўқолган нарса уйимиздан чиқди. Ғордан чиққан бойлик.* ▬ *Уч кундан кейин минг сўмга олувчи харидор чиқади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўтирганлардан бири ирғиб ўрнидан турди-ю, даҳлизнинг эшигини очиб, қаттиқ ишвирлади: -Мўйдин, кир, аризанг чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

23 Юзага келиш эътибори билан бирор манбага мансуб бўлмоқ. *Расмий доиралардан чиққан хабар.* ▬ *-Бунақа гаплар кимдан чиқади? — деди Аҳмедов мийиғида кулиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

24 Нашр бўлмоқ, чоп этилмоқ, босилмоқ. *Китоб босмадан чиқди.* ▬ *-Мақола вақтида чиқди, — деди Сафаров, — айни вақтида чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

25 Маҳсул, самара, натижа сифатида юзага келмоқ. *Қуруқ гапдан фойда чиқмайди. Беш килограмм гилосдан неча килограмм мураббо чиқади? Сўнгги пушаймондан наф чиқмас.* Мақол. ▬ *Ҳар қутидан етмиш саккиз килодан пилла чиқса бўладими!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

26 Бирор иш, жой, ташкилот ва ш.к. дан ажралмоқ, узилмоқ, ажралиб, узилиб қолмоқ; ташлаб кетмоқ. *Ташкилотдан чиқмоқ. Халққа суянсанг, бўласан, Халқдан чиқсанг, сўласан.* Мақол. ▬ *Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

27 Алоқани узмоқ, аҳдни бузмоқ, ажралишмоқ. *Ўртоқчиликдан чиқмоқ. Эрдан чиқмоқ.*

28 Учрамоқ, йўлиқмоқ, пайдо бўлмоқ. *Сарвинознинг қаршисидан кутилмаганда ўша йигит чиқиб қолди.* «Ёшлик». *Боғнинг бир чеккасидан чиройли кийик чиқиб қолибди.* «Булбулигўё».

29 Қазиш, ковлаш натижасида топилмоқ, кўринмоқ. *Нефть чиқди. Газ чиқди. Ерни қазимасанг, олтин чиқмас.* Мақол. ▬ *Тупроқ қатлами тагидан тарих гувоҳлари — ҳар хил ашёлар чиқди.* Газетадан.

30 Ўрнидан қўзғалмоқ (бўғим суяклари ҳақида). *Қўлим чиқиб кетди.* ▬ *Лутфулла қалъа деворидан сакраб, оёғи чиқди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

31 Рўй бермоқ, содир бўлмоқ. *Тўполон чиқди. Келишмовчилик чиқди.* ▬ *Азизхон бу суратни кўриб қолиб, ойнани синдириб, суратни йиртиб ташлаган, катта жанжал чиқиб, зўрға милиция қўлидан қочиб қолган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

32 Осмонда кўринмоқ, пайдо бўлмоқ (осмон жисмлари ҳақида). *Ҳали қуёш чиқмаган, сув юзида нозик туман пардаси силкиниб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тоғу тошни қоплайди сукут, Ой булутга ўраниб чиқар.* «Ёшлик».

33 Туртиб, бўртиб турмоқ. *Ёноқлари чиққан қиз.* ▬ *Унинг [Баширжоннинг].. елкалари чиқиб, қомати олдинга энгашиб қолгандек эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа

34 Тошмоқ, сиртга тепмоқ. *Яра чиқди. Сўгал чиқди.* ▬ *[Қизнинг] Лабларига учуқ чиқиб кетибди.* «Шарқ юлдузи».

35 Сиртга тепмоқ, ажралиб намоён бўлмоқ, кўринмоқ. *Иситмаси чиқди.* ▬ *[Каримнинг] Пешонасига тер чиқди.* «Шарқ юлдузи». *Кўзларидан ёш чиқиб кетди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

36 Тепага кўтарилиб, атрофга ёйилмоқ; тўзғимоқ (чанг ҳақида). *Ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан, Чанги чиқса, сув сепай кўздаги ёшим билан.* «Қўшиқлар».

37 Муайян тарзда эшитилмоқ (товуш, овоз ҳақида). *Торнинг овози жаранглаб чиқди.* ▬ *-Бас қил, ҳой! — Маҳмуданинг овози баттар хириллаб чиқди.* «Ёшлик». *Овози йиғи аралаш қалтираб чиқди.* «Шарқ юлдузи».

38 Натижа сифатида юзага келмоқ. *Чизган суратим нотўғри чиқди.* «Ёшлик». *Далварзинтепадан топилган.. қуроллар ҳам антиқа чиқиб қолди.* «Фан ва турмуш». *Директорнинг гапи акс бўлиб чиқди.* «Ёшлик». *Аммо унинг тахмини нотўғри чиқди.* «Ёшлик».

39 Бирор белги-хусусияти юқори даражага етмоқ. *Увадаси чиққан тўн.* ▬ *..барханлар орасида яғири чиққан тўртта ўтов қад ростлаган.* Газетадан.

40 Тарқалмоқ, таралмоқ (ҳид ҳақида). *Мансур чемоданни очган эди, уйга ҳандалакнинг ҳиди чиқиб кетди.* «Ёшлик».

41 *спрт.* Мот бўлиш вазиятини ўзгартириб, ундан қутулмоқ (шахмат ўйинига нисбатан). *Оқлар юришни ўзгартириб, вазиятдан чиқиб кетди.* Газетадан.

42 Телевизор ёки радио орқали сўзламоқ, бирор ҳаракатни бажармоқ. *Телевизорда ашула айтиб чиқди. Радиода чиқди.*

43 Чекига, номерига ва ш.к. га тўғри келмоқ. *Лотереяга машина чиқди. Чиптасига жек-пот чиқди.*

44 Унмоқ, кўкармоқ (ўсимликлар ҳақида). *Бойчечак чиқибди, наврўз экан..* «Қўшиқлар».

45 Табиий таъсир натижасида матодан ажралиб, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқ (газламанинг ранги ҳақида). *Ранги чиқадиган чит. Кўйлагини ювган эди, ранги чиқиб, ола-була бўлиб қолди.*

46 Кўмакчи феълли сўз қўшилмалари таркибидаги **-и(б)** қўшимчали равишдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тўлиқ бажарилганлиги ва тугалланганлигини билдиради (мас., *қараб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ, санаб чиқмоқ*). ▬ *Эрталабгача мижжа қоқмай, ўйлаб чиқдим.* «Шарқ юлдузи». *[Қора қоплон] Хонанинг у ёқ-бу ёғига кўз ташлаб чиқиб, каравот устида ётган китобни кўриб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

47 Қўшма феъллар таркибида келади. Мас., *сўзга чиқди, олиб чиқди, қарши чиқди.*

Абжағи чиқмоқ *қ.* **абжақ.** *Фашистни ур, абжағини чиқар, у ёғи билан ишинг бўлмасин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Авж(и)га чиқмоқ** *қ.* **авж 2.** *Қий-чув қилишиб, кулгилар авжга чиқди.* «Шарқ юлдузи». **Бошига чиқмоқ** *қ.* **бош. Бошингиз тўйдан чиқмасин** «Ҳар доим хурсанд бўлиб юринг» маъносида айтиладиган тилак. *«Бошингиз тўйдан чиқмасин», деб тилар эканлар-у, аммо бу тилак ҳамма вақт ҳам амалга ошавермас экан.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Гапдан гап чиқиб** *қ.* **гап.** *Гапдан*

гап чиқиб: -Абдуллажон, — дедилар Иззат Отахонович, — Намангандан Санжар Тилла келган. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. **Дараги чиқди** Топилди, топилгани ҳақида хабар келди. *Уч кун деганда опасининг дараги чиқди.* «Шарқ юлдузи». **Жойи чиқмоқ** Муносиб, кўнгилдагидек куёв (йигит) учрамоқ. *Янганг ҳам [қизларнинг] жойи чиқса, узатмоқчи бирин-кетин.* С. Нуров, Нарвон. **Жон(и) чиқмоқ** *қ.* **жон.** *Чиқмаган жондан — умид.* Мақол. ▬ *..бўридан бир қўзини ажратиб олган эди. Жони чиқмаган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. *Менга насиҳат қилавериб, жонимни чиқарманг*! Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит? **Издан чиқмоқ** *қ.* **из.** *Меҳнат интизоми издан чиқди.* «Шарқ юлдузи». **Ишдан чиқмоқ** *қ.* **иш.** *Агар машина ва ускуналардаги тебранишлар олди олинмаса, бора-бора улар ишдан чиқиши.. мумкин.* «Фан ва турмуш». **Йўлдан чиқмоқ** Айнимоқ, ёмон одатга ўрганмоқ. *Тўғри йўлдан чиқма, зинҳор адашма.* Ҳабибий. **Миси чиқди** *қ.* **мис. Нархи осмонга чиқди** Нархи жуда қиммат бўлиб кетди. *Картошканинг нархи деҳқон бозорида осмонга чиқиб кетди.* Газетадан. **Оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетаверади** Мулоҳаза қилмай айтаверади. **Пулингга чечак чиққанми**? *қ.* **чечак** II. **Сўз(и)нинг устидан чиқмоқ** Ваъда қилган ишини амалга оширмоқ. *Ошно сўзининг устидан чиқди.* М. М. Дўст, Лолазор. **Тили чиқмоқ** *қ.* **тил** II **2.** *[Бола] Тили чиқиб, чулдираб қолди.* «Шарқ юлдузи». **Турмушга чиқмоқ** *қ.* **турмуш.** *Қизимиз турмушга чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид. **Уддасидан чиқмоқ** *қ.* **удда.** Эпламоқ; бажара олмоқ. *Одилбекдан бошқа киши бу ишнинг уддасидан чиқолмайди.* «Булбулигўё». **Умиди пучга чиқмоқ** Орзуси амалга ошмай қолмоқ. *Йўқ, Қизгулнинг бу умиди ҳам пучга чиқди.* «Шарқ юлдузи». **Фиғони фалакка чиқмоқ** *қ.* **фалак.** *Ҳожининг фиғони фалакка чиқди.* «Фан ва турмуш». **Чуви чиқмоқ** *қ.* **чув** II. **Юз жойига пичоқ урсанг, бир жойидан қон чиқмайди.** Ҳар қанча гапирсанг ҳам, таъсир қилмайди. **Энка-тенкаси чиқди** 1) қийналиб кетди. *..отни тўхтатиб, қайириб олгунча, Қудратнинг энка-тенкаси чиқди.* Ҳ. Назир, Кўкорол чироқлари; 2) тўсатдан қаттиқ қўрқмоқ. *Жамиланинг ўз ёнидан ғойиб бўлганини пайқамай қолибди. Бирдан энка-тенкаси чиқиб, ўрнидан турган эди.. йиқилиб тушди.* Мирмуҳсин, Жамила. **Юзага чиқмоқ** *қ.* **юза. Юраги қинидан чиқмоқ** *қ.* **юрак.** *Юраги қинидан чиқиб, қотиб қолди.* «Шарқ юлдузи». **Қуюшқондан чиқмоқ** *қ.* **қуюшқон.** *-Қуюшқондан чиқманг-да бундай, жўражон! — деди Зариф Сайфининг елкасига қўл ташлаб.* Газетадан. **Ҳасратидан чанг чиқади** *қ.* **чанг** I.

ЧИҚОН *шв.* Дугона, ўртоқ. *Яхши кўрган чиқоним қўшнимизга тушибди.* «Қўшиқлар». «*Жуда қийин шароитда ишлаяпман, чиқон*», *деб ёзган эди у..* «Ёшлик».

ЧИҚ-ЧИҚ Чиқ с. такр. *Соатим чиқ-чиқ этар, Қўлимда ҳар иш битар.* «Қўшиқлар». *Шитирлаб ёғаётган ёмғирнинг томчилари дераза ойналарига уриларди: у баъзан нариги хонадаги ёзув машинкасининг чиқ-чиқини ҳам босиб кетарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЧИҒ *тақл.* с. Баъзи қушларнинг овозини билдиради. *Қарқуноқ чиғ этиб, оғзини очди.*

ЧИҒАНОҚ 1 *айн.* **шиллиқ қурт** *қ.* **шиллиқ** II.

2 Баъзи умуртқасиз жониворларнинг, мас., моллюскаларнинг турли шаклда бўладиган косаси; уларнинг танасини қоплаб, ҳимоя вазифасини бажарувчи скелет тузилмаси. *Чиғаноқ маржон. Чиғаноқ кулдон.* ▬ *Дарёнинг тагидан бир ҳовуч асл Чиғаноқ тошлардан чиқариб бердим.* Ҳ. Олимжон.

3 *анат.* Тирсак; тирсак суяги.

ЧИҒАТОЙ 1 Ўзбек уруғларидан бирининг номи. *Ўзиям чиғатойлардан экан, яхши аёл.. [улар] вақтида довруғи кетган эл.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Эски ўзбек тили ва адабиётининг ғарб илмий адабиётида нотўғри қўлланиб келган номи. *Чиғатой тили. Чиғатой адабаёти.* ▬ *Навоий чиғатой, яъни туркий тилда қалам тебратган биринчи шоир бўлган.* «Фан ва турмуш».

Чиғатой гурунги *тар.* Абдурауф Фитрат бошчилигида Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган маданий-маърифий ва илмий-адабий ташкилот (1919—1921 йиллар). *Тузук, «Чиғатой гурунги» сиёсат билан машғул бўлмоқни истамади, ёлғиз тил, имло, адабиёт билан шуғулланди.* Фитрат, Ёпишмаган гажаклар.

3 Чиғатой (Чингизхоннинг тўрт ўғлидан иккинчисининг номи).

Чиғатой улуси *тар.* Чингизийлар империясида Чиғатой қўл остида бўлган, Қашқар, Еттисув, Мовароуннаҳр ерларини қамраб олган ҳудуд.

ЧИҒИЛЛАМОҚ «Чиғ-чиғ» овоз чиқармоқ, «чиғ-чиғ» қилмоқ (қушлар ҳақида). *Какликлар бирдан ваҳимали чиғиллаб, том оша учиб кетишди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЧИҒИР 1 Юкларни кўтариш ёки силжитиш учун мўлжалланган машина. *Чиғирдан кўтариш-ташиш машинаси ёки мураккаб кранларнинг кўтариш механизми сифатида фойдаланиш мумкин.* «ЎзМЭ».

2 Одам, уй ҳайвонлари ёки оқар сув кучи билан ҳаракатга келтирилиб, сувни юқорига кўтариб берадиган қадимги энг оддий гидравлик мослама. *Тарихий маълумотларга кўра, оқар сув кучи билан ҳаракатлантириладиган чиғир Ўрта Осиёда (айниқса, Хоразмда) 9-11-асрларда кенг тарқалган.* «ЎзМЭ»

ЧИҒИРИҚ 1 Пахтани чигитидан ажратиш учун ишлатиладиган қадимги қўл асбоби. *Чиғириқда пахта тозаламоқ.*

Чиғириқдан ўтказмоқ 1) чиғириқ орқали ўтказиб, пахтани тозаламоқ; 2) *кўчма* обдан текширмоқ, ҳамма синовлардан ўтказиб текширмоқ. *Минг бир чиғириқдан ўтган Равшан полвоннинг ўзи ҳам ҳозир кўп нарсаларга фаҳми етмай қолди.* О. Ёқубов, Ларза; 3) ўйлаб мулоҳаза қилмоқ. *[Асрор] Тренернинг гапларини бир-бир ақл чиғириғидан ўтказди.* «Ёшлик».

2 Дорнинг энг тепасида дорбозлар ўйин кўрсатадиган, нарвонга ўхшаш поғонали қурилма. *Ҳакимжон ака, ўғиллари ва жиянлари билан мусобақа қилгандай, дорда ва чиғирда ўйнаб қўяди.* М. Қодиров, Кекса дорбозлар. *Ҳамманинг нигоҳи чиғириқ устида чирпирак бўлиб айланаётган дорбоз Барчинойга қадалган эди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

3 *айн.* **чиғир**. *[Ал-Хоразмий] Механикани ричаг ёрдамида оғирликларни кўтариш, гидравлик машиналарни эса чиғириқ, тегирмон билан шуғулланиш деб ўйлади.* «Фан ва турмуш».

ЧИҒИРЛАМОҚ I *айн.* **чиғилламоқ**. *Чумчуқлар зўр бериб чиғирлар.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЧИҒИРЛАМОҚ II *тех.* Чиғирдан ўтказиб ёймоқ, юпқаламоқ. *Пўлатни чиғирламоқ.*

ЧИҒ-ЧИҒ Чиғ с. такр. *Қушларнинг чиғчиғи.*

ЧОБУКСУВОР [*ф.* چابکسوار – тез чопувчи; моҳир чавандоз] Моҳир, эпчил чавандоз. *Изларам сиздан шафоат, Чобуксуворим, ё Али.* «Маликаи айёр».

ЧОВ I *анат.* Қориннинг пастки қисми билан сон оралиғи; бут. *Отнинг чови. Чов безлари.* ▬ *-Қассобларнинг қўли тарози бўлиб қолган, қўйнинг човига қўл югуртириб туриб, қанча ёғ, қанча гўшт қилишини айтиб берадиган одамлар, – деб ўйлади Шокиржон ака.* С. Абдулла, Соялар. *У чови қиров босган ҳорғин отини анҳор бўйида тўхтатиб, эгардан тушди.* «Ёшлик».

ЧОВ II *шв.* Эшкак.

ЧОВГУМ *айн.* **човгун**. *Ўчоқдаги човгум қайнаб, тўкила бошлади.* «Ёшлик».

ЧОВГУН Ўтда чой қайнатиш учун мосланган идиш, чойдиш, қумғон. *Мис човгун. Чўян човгун. Човгунда чой қайнатмоқ.* ▬ *[Севаргул] Рўмолчани сувга тутиб, обдан ишқалади, сўнг кўҳна мис човгунни тўлатиб, жўмракни маҳкамлади.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ЧОВЛИ Новда ёки симдан тўқилган, угра, шилпилдоқ ва ш.к. хамир овқатларни сузиб олиш учун ишлатиладиган чўмичсимон рўзғор асбоби. *Чўп човли. Сим човли.*

Човли солмоқ (*ёки* **урмоқ**) 1) хамир овқатни ёки бирор нарсани човли билан сузиб олмоқ; 2) *кўчма* бировнинг ишига аралашмоқ; ҳар нарсага суқилавермоқ, бурун суқмоқ. *Врачнинг иши – касалларни даволаш. Нигорага ҳайронман, ҳар нарсага ўз човлисини солавермай, тинчгина юрса нима қиларкин?* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧОВУТ: **човут солмоқ** (*ёки* **урмоқ, қилмоқ**) 1) *айн.* **чанг солмоқ** *қ.* **чанг** III. *Бургут қўзичоққа човут солди.* ▬ *-Ким нокас? – Мирзақул унга [Анзиратга] човут солди.* «Ёшлик». *Қорабой Кўктойнинг бўйнига човут солди-ку.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса; 2) *кўчма* тажовуз қилмоқ, ҳамла қилмоқ, бостириб келмоқ. *-Чингизхон Машриқдаги барча катта-кичик ўлкаларни олиб бўлгач, бари бир бизга човут солади! – деди Инолчиқ.* М. Осим, Ўтрор.

ЧОГАН Шўрхок ерларда ўсадиган камбаргли ёввойи ўсимлик.

ЧОДИР [*ф.* چادر – капа, бостирма; ёпинчиқ] **1** Матодан қурилган капа; палатка. *Чодир тикмоқ. Чодир қурмоқ.* ▬ *Қутайбанинг чодири, таомилга кўра, баланд тепаликка жойлашганди.* З. Аълам, Зарб. *Азизхон ўша*

куни кечаси чодирда ётмай, Орзихон аяникига кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 *этн.* Гўшанга, чимилдиқ. *Хушрўй, чодирдан чиқмасданоқ, чой ташиб, хизмат қилиб юрган кундошига кесатиқ билан ҳужум бошлайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *этн.* Аёллар паранжи ўрнида ёпинадиган махсус ёпинчиқ; чодра. *Бир вақт қаердан ҳам устига қора чодир ёпинган Ёсуман пайдо бўлармиш.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қара, унинг кўксида юлдуз — Меҳнатидан бўлмиш қаҳрамон. Сен-чи, нечун чодир ичида Қолиб кетдинг, азизим, ҳамон?* Зулфия.

4 *кўчма* Парда, ёпинчиқ; уртук. *Юксак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муаззам яшил чодир ясаган.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаган, ҳавони кулранг булут чодири тўсиб олган бир кун эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Мева қоққанда тагига тутиладиган катта мато. *Тўрттаси чодир тутади, биттаси товоққа чопади.* «Қўшиқлар». *Ҳабиба буви қирқ ямоқ бўлиб кетган чодирни олиб чиқади. Камида ўттизта бола қалдирғочдек тизилиб, чодирнинг тўрт тарафидан ушлаб туради.* «Ёшлик».

ЧОДИРЖАМОЛ *эск.* Ўзбек анъанавий қўғирчоқ театрининг қўғирчоқлар қўлга кийиб ўйнатиладиган тури.

ЧОДИРХАЁЛ *эск.* Ўзбек анъанавий қўғирчоқ театри тури: қўғирчоқнинг барча қисмлари (аъзолари) иплар билан боғланиб, бир дастчўпга уланади ва чодир (парда) ортидаги қўғирчоқбоз ипларни тортиш орқали қўғирчоқни ҳаракатлантиради. *Илгари ҳайит кунлари кўмирсаройда қўғирчоқбозлик бўлар эди, «чодирхаёл» бўлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Матпано чодирхаёлдаги йигитнинг қилиқларига маҳлиё бўлиб, тикилиб турибди.* С. Сиёев, Аваз.

ЧОД(И)РА [*ф.* چادره — ёпинчиқ; ҳижоб] *айн.* **чодир 3**. *Бир оздан кейин чодрага ўралган бир жувон ёш табибнинг олдига келиб, бир нима деди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *[Нигина] Яна қора чодрасига ўралиб, ҳовлидан чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ЧОЙ [*т.ф.* چای < *хит.* ча] **1** Барги дамлаб ичиладиган, жанубий ўлкаларда ўсувчи доимий яшил бута дарахти, бута. *Чой плантациялари.* ▬ *Чой ўсимлиги 2-3 ёшлик бўлганда, тупларга шакл берилади, ён шохлар кесилади.* «ЎзМЭ».

2 Шу ўсимликнинг қуритиб махсус ишланган, майдаланган, дамлаб ичиладиган барглари. *Кўк чой. Ҳинд чойи. Цейлон чойи. Грузин чойи. Бир дамлам чой. Чой қути.* ▬ *Кўкрагимда войим қолди, уч юмалоқ чойим қолди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Кўк чойни кўк чойнакка дамлаб, кўк кўзли, кўйлаги кўк Каримга бердими?* Тез айтиш.

3 Шу ўсимликнинг махсус ишланган, майдаланган баргларидан дамланган хушбўй ичимлик. *Бир пиёла чой. Аччиқ чой. Иссиқ чой. Яхна чой.* ▬ *Ҳиндининг ичгани асл чой бўлар.* «Гулнорпари».

4 Шу ичимлик билан бирга овқатланиш. *Эрталабки чой. Тушки чой.* ▬ *Сидиқжон чойни кутмай, ишга кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *[Анзират хола] Чой маҳалида гоҳ кулиб, гоҳ йиғламсираб, ўзи, болалари тўғрисида гапирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Олма чой *қ.* **олма. Сут чой** Сутли чой. **Чой пули** *айн.* **чойчақа. Чой қошиқ** Ош қошиқдан кичикроқ металл қошиқ. *Мураббо ола туриб, чой қошиқни тушириб юбордим — куёв буниям сезди.* М. М. Дўст, Лолазор. **Қора чой** 1) қуруғи қора тусда, дамлаганда, тўқ қизғиш ранг чиқарадиган чой; 2) сутсиз чой.

ЧОЙГУМ *с.т.* Чойдиш. [*Суярқулнинг*] *Онаси чой дамлаб, чойгумга яна сув тўлдираётган экан.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧОЙДИШ Сув, чой қайнатиладиган металл идиш, қумғон. *Бир чойдиш чой. Чойдиш шақиллаб қайнади.* ▬ *Ланғиллаб ёнаётган кўмир тепасига қўйилган чойдиш ҳамма вақт вақирлаб қайнаб туради.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Чол қўрдаги қора қумғон ёнида турган чойдишни олиб, меҳмоннинг олдига қўйди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Ўчоқда заранг бодом чўғи ловуллайди, бир чеккасида чойдиш секин шиғиллайди.* А. Суюн, Олис жанглар.

ЧОЙДОН [*хит.* + *ф.* چایدان] Чой идиш, чой қути.

ЧОЙЖЎШ [*хит.* + *ф.* چایجوش — чой қайнатувчи] *шв.* Чойдиш, човгун. *Нуъмонжон чойжўшни қайнатиш учун ўт ёқди.* О. Ҳусанов, Най.

ЧОЙКОР [*хит.* + *ф.* چایکار — чой етиштирувчи] Чой етиштирувчи деҳқон ёки хў-

жалик. *Грузия чойкорлари. Чойкор жамоа хўжалиги.*

ЧОЙЛАШМОҚ Бирга чойхўрлик қилмоқ, чой ичишиб ўтириб суҳбат қилмоқ. *Биз Маъмуржон билан чойлашиб ўтирдик.* «Ёшлик». *..ҳузур қилиб овқатланишди, чойлашишди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЧОЙНАК [*р.* чайник – чой идиш] Чой дамлаб ичиладиган, жўмракли ва дастали идиш, уй-рўзғор асбоби. *Чинни чойнак. Мис чойнак. Бир чойнак чой.* ▬ *Нусратбек устига сочиқ ёпилган чойнакдаги чойни қайтариб, бир пиёлага қуйди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бўта.. чойнакнинг қопқоғини тескари ёпиб, иккита беш тийинликни ташлаб, ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Қиссалар.

ЧОЙПОЯ [чой + поя] Дала-даштда сув, чой қайнатиш учун ясалган қурилма; учоёқ.

ЧОЙФУРУШ [*хит.* + *ф.* چایفروش – чой сотувчи] Чой савдоси билан шуғулланувчи тижоратчи. *Тимнинг икки томонидаги қатор дўкон-расталарда чойфуруш эронийлар.. улгуржи савдони кутардилар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЧОЙФУРУШЛИК 1 Чой савдоси билан шуғулланишлик. *[Бойларнинг] Баъзилари Тошкент бозорларидаги расталарда читфурушлик, чойфурушлик.. дўконлари очиб, савдо қилар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Бозорда чой дўконлари қатори, растаси.

ЧОЙХОНА [чой + хона] Чой ичиб, тамадди қилиб, ҳордиқ чиқариладиган жамоат жойи; самовар, самовархона. *Маҳалла чойхонаси. Оталар чойхонаси. Чойхонада учтўрт чол чақ-чақ суҳбат қилади.* ▬ *Бозордаги чойхоналарнинг ҳаммаси сершовқин ва тўполон бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Чойхона палов *қ.* **палов.** *Чойхона паловларда ошнинг сабзисини албатта Элчиев тўғрайди.* Э. Аъзамов, Жавоб.

ЧОЙХОНАЧИ Чойхонада хизмат қилувчи, чойхонада чой сотувчи ёки чой ташиб берувчи киши. *Чойхўрлар кўплигидан чойхоначининг қўли-қўлига тегмайди.* Газетадан.

ЧОЙХЎР [*хит.* + *ф.* چایخور – чой ичувчи] **1** Чойни яхши кўрадиган, кўп чой ичадиган. *[Анвар] Сўриларда чойхўрлар чордана қуриб ўтирган чойхона олдидан югуриб ўтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳозирда ер куррасида яшайдиган аҳолининг бир ярим миллиарддан зиёди чойхўр ҳисобланади.* Газетадан.

2 Чойхонада чой ичувчи, мижоз. *Куз ҳавосининг суякларни зирқиратувчи совуғига қарамай, гузарда чойхўр кўп эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧОЙХЎРЛИК Чой ичиб, суҳбатлашиб ўтириш. *Меҳмонлар чойхўрлик қилаётиб, футбол, шахматдан гап бошлашди.* С. Нуров, Нарвон. *Уч-тўртта қариялар эса ўрик тагидаги каттакон супада чойхўрлик қилишарди.* «Шарқ юлдузи».

ЧОЙЧАҚА 1 Кўча-кўйдаги майда харажатлар учун мўлжалланган оз миқдордаги пул; чой пули. *Ота чойчақага муҳтож бўлиб, бозор кунлари Қўйлиқда ҳаммоллик қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Унча-мунча хизмат учун бериладиган ҳақ, хизмат ҳақи. *Агар Шоқосим иш билан ўзини ёқтирса, хўжайин ўз билгича «чойчақа» ҳам бериб туради.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тақчил молни топиб бергани учун дўкончига бериладиган устама ҳақ, пул. *Ўғли қанча овора-саргардон бўлиб, магазинчиларга чойчақа бериб олиб келган нарсаси қувонч бағишлаш ўрнига, айвонда чанг босиб турса..* С. Нуров, Нарвон.

ЧОЙЧЎП [чой + чўп] Чўл-қумда ўсадиган, хушбўй, оч бинафшаранг гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

ЧОЙШАБ [*ф.* چادرشب *ёки* چارشف – тунги чодир, ёпинчиқ] Ўрин-тўшак устига ёзиладиган ялангқават тўртбурчак мато, ёпинчиқ. *Оқ чойшаб.* ▬ *[Полина] Қўлтиғидаги чойшаб ва адёлларни бурчакдаги бўш каравот устига қўйиб, бирин-кетин ёзди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Бирлашмада чойшаб ва ёстиқ жилди тикилади.* Газетадан.

Оқ чойшаб 1) гулсиз, гул босилмаган чойшаб; 2) *кўчма* қор. *Қиш келиб, яйлов ва ўрмонлар устига оқ чойшабини ёзгунига қадар гул-чечаклар кулиб боққани-боққан.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Сурмаранг чойшаб** *кўчма* Нимқоронғилик. *Қош қорайиб, сурмаранг чойшаб борлиққа таралди.* «Шарқ юлдузи».

ЧОК [*ф.* چاک – тешик, тирқиш; кесик, йиртиқ, қийиқ жой] **1** Чеварликда: газлама, тери ва ш.к. дан тикилган буюмларнинг

тикиб бириктирилган жойи. *Кўйлак чоки. Маҳсининг чоки сўкилибди. Чокидан йиртилди.* ▬ *Унинг тиккан чокин кўрсанг, донадай силлиқ..* F. Fулом. *Сумкаларнинг чоклари текис.. астари шойидан.* «Саодат».

2 *тех.* Машинасозликда: деталларнинг пайвандлаб, парчинлаб ёки бошқа бирор усул билан уланган жойи. *Пайванд чок. Учма-уч чок. Устма-уст чок.* ▬ *Муҳими шундаки, лазер пайвандда ҳосил бўладиган чоклар ниҳоятда мустаҳкамдир.* «Фан ва турмуш».

3 *бнк.* Терилган ғиштлар, блокларнинг оралиғи, панелли уйларда панеллар туташган жой.

4 *анат.* Калла суяги қисмларини бириктириб турадиган асосий тузилма.

5 *тиб.* Жарроҳлик амалиётида жароҳатланган, кесилган жойларни, тўқималарни бириктириш усули.

Ёқани чок қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Йиртмоқ, пора-пора қилмоқ. *Онамни сўрайман сендан эрта-кеч, Қайтар, деб сўрайман чок этиб яқо.* А. Орипов. *Ёқам чок-чок этиб, қиларман фарёд.* «Гулшанбоғ». **Юраги** (*ёки* **бағри, дили**) **чок бўлмоқ** Юраги пора-пора бўлмоқ, ғам-алам, изтиробдан эзилмоқ. *Дўстлар шоду хандон, душман бағри чок.* F. Fулом.

ЧОКАР [*ф.* چاکر – хизматкор, малай] *эск.* Хизматкор, чоракор, малай. *Бойнинг Холёр деган чўпони бўлиб, унинг Эрназар деган чокари бор эди.* «Ойсулув». *Яқзон бир чокарини Ибн Синога ҳамроҳ қилиб, қальадан чиқариб юборди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧОКЛАМОҚ Чокини тикмоқ, чокини тикиб уламоқ. *Кўрпанинг астарини чоклади.*

ЧОКЧИ 1 Фақат бичилган нарсаларни тикувчи ҳунарманд.

2 Тикувчи, каштачи, чевар.

ЧОКЧИЛИК Бозорда бирор кийим тури билан савдо қилувчи одамга бичилган кийимни тикиб тайёр қилиб бериш билан шуғулланиш. *[Хосият буви] Каримжон машиначига битта тўнни ўттиз пулдан тикиб, роса ўн саккиз йил чокчилик қилган.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЧОК-ЧОК: чок-чок бўлмоқ 1) чок-чокидан сўкилмоқ. *Кўйлаги чок-чок бўлди;* 2) *кўчма* қаттиқ изтиробга тушмоқ; пора-пора бўлмоқ. *Юраги чок-чок бўлди.* **Чок-чок қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) чок-чокидан сўкмоқ; 2) *кўчма* пора-пора, тилка-пора қилмоқ. *Ёввойи мўғул сени оёғости қилиб, бағрингни чок-чок этади.* М. Осим, Карвон йўлларида

ЧОЛ Қари эр киши; қария; кекса, мўйсафид. *Нуроний чол. Донишманд чол.* ▬ *Гўё ажин кетди қари бетидан, Яшаргандек бўлди, тетикланди чол.* Ҳ. Олимжон. *Бояги ёғоч ва бордонлар орқасидан олтмиш ёшлардаги бир чол арава миниб чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Чолни кўриб, бобом дема! Таний олмай адашган, янглишган кишига айтиладиган ибора.

ЧОЛВОР [*р.* шаровары – кенг иштон < *ф.* شلوار – иштон, шим] Асосан уйда кийиладиган, шимга ўхшаш кийим. *У [Акбар] уйда кийдиган олачипор чолворда, майкачан бўлиб, майка остидан юмалоқ қорни ҳам дўппайиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЧОЛ-КАМПИР, чолу кампир 1 Кексайган ота-она; кексайган эр-хотин. *Чол-кампирим бор, нима ғамим бор!* ▬ *Чол-кампир бир-бирига ялт этиб қаради.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Умуман, кекса эркак ва хотин. *Қишлоқнинг ҳамма чол-кампирлари йиғилди.*

ЧОЛҒУ 1 Мусиқа асбоби. *Ўзбек халқ чолғулари. Чолғу асбоби.* ▬ *Танловда халқ чолғу асбоблари ҳам тўлиқ қамраб олинган.* Газетадан. *Машшоқлар чолғуларини қўлга олдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мусиқа асбобларида ижро этилган куй, оҳанг; мусиқа. *Унинг асл исми – Наби. Ўзининг ашуласи, чолғуси ва қизиқчилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари уни «гул» – «Набигул» деб атаганлар.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ЧОЛҒУЛИ *эск. айн.* **мусиқали.** *Чолғули драма. Чолғули асар.*

ЧОЛҒУЧИ Чолғу чалувчи созанда; мусиқачи. *Озодахон чолғучилар билан янги айтиладиган қўшиқ ҳақида пичирлашиб турган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Бас, етар, чолғучи, бас қил созингни, Бас, етар, қалбимга урмагин ханжар.* А. Орипов.

ЧОП [*ф.* چاپ – нашр, босиб чиқариш; босма]: **чоп қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) Нашр этмоқ, матбуотда босиб чиқармоқ. *Ҳайқириғим, хитобим Сизга, Чоп этилган китобим Сизга!* «Ёшлик». *Машҳур адиб Жюль Верннинг бутун дунёга донғи кетган «Ердан ой сари» номли романи чоп этилганидан буён 110 йил ўтди.* «Фан ва турмуш».

ЧОПАР *тар.* Давлат аҳамиятига эга ва ошиғич хабарни етказиш учун юборилган отлиқ, сувори. *Намозгар пайти Қўқондан чопар келиб, нома ташлаб кетганди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Ана, чопар, суюнчи деб, Эралихонга етти.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧОПАҒОН *с. т.* Тез, яхши югурадиган; чопқир. *Чопағон от.* ▬ *Яшил майдон атрофидаги йўлкага чопағонлар чиқишди.* С. Нуров, Чопағон.

ЧОПАҒОНЛИК Тез югура олишлик, шундай хусусиятга эгалик.

ЧОПИШМОҚ I **1 Чопмоқ** I фл. бирг. н. *Болалар кўчага чопишиб чиқишди.*

2 Бир-бири билан ким ўзиш ўйнамоқ, югуришдан мусобақа қилмоқ. *Қани, чопишасизми мен билан?* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧОПИШМОҚ II **Чопмоқ** II фл. бирг. н. *Қилич билан чопишмоқ. Ғўзани кетмон билан чопишди.*

ЧОПИҚ *қ.х.* Ўсимликларнинг таги, ён-атрофларини чопиб юмшатиш. *Ғўза чопиғи. Теша чопиқ.* ▬ *Пахта олма пишди, шотут қизарди, Учинчи чопиқни бошладик кеча.* Ғ. Ғулом. *Ниҳоллар ўзини тутиб олгунча шу хилда уч марта чопиқ қилиш керак.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

Чопиқ трактори Экинларнинг қатор ораларига ишлов берадиган трактор.

ЧОПИҚЧИ Чопиқ қилувчи, чопиқ ишларини бажарувчи деҳқон. *Қумғонда чой келиши билан.. чопиқчилар чуғурчуқдек қумғонга ёпишдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Тоғдан эсган шабада.. қизил, кўк, оқ ва сариқ кўйлакли чопиқчи аёлларнинг чекка сочлари ва бошларидаги рўмолларини бетиним елпийди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧОПМОҚ I **1** Бирор йўналишда оёқлар билан жуда тез ҳаракат қилмоқ, югурмоқ. *Кўпинча Азизхон сменадан чиқарди-ю, адир ёқалаб «Қирғизовул»га чопарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Катта тезлик билан қиялаб чопаётган Фозил ака дуч келган харсангдан ҳатлаётиб, қоқилиб тушибдилар.* М. Хидир, Қирғоқлар.

2 Отга минган ҳолда уни югуртирмоқ. *Бувиси буваси билан ёнма-ён от чопиб, душман билан олишган экан.* Ў. Умарбеков, Бобоёнғоқ.

3 Кўпкари мусобақасида қатнашмоқ, иштирок қилмоқ. *Улоқ чопмоқ.* ▬ *Кўпкарини чопиб ётир Ўн икки мингча бойбачча.* «Гулшанбоғ».

4 *кўчма* Бирор мақсадни амалга ошириш учун тегишли жойларга бормоқ, ҳаракат қилмоқ. *-У ёққа чопдим, бу ёққа чопдим, охири ишимни битирдим, — деди хола.* Газетадан.

5 Ирғимоқ, ошмоқ (эркак ҳайвон ҳақида).

Бахти (*ёки* **омади) чопмоқ** Бахти, омади келмоқ. *Ўйлаб кўрсам, укам, бахтинг чопибди.* «Ойсулув». *Аёллар бобида омадим чопмаган.* М. М. Дўст, Лолазор. **Бетга (***ёки* **юзга) чопмоқ** Раъй-андиша қилмай, қаттиқ, шартта гапирмоқ. *Бечора Зеби.. Қанчадан-қанча заҳру заққум ютди-ю, ҳеч кимнинг раҳми келмади. Ёрдам қилиш ўрнига, юзига чопдилар, нолойиқ хотин, қўшнимизнинг тенги эмас, дедилар.* Ш. Рашидов, Қудратли куч. **Кўнгли чопмади** Бирор хатти-ҳаракатни амалга оширишга юраги бетламади, юраги дов бермади.

ЧОПМОҚ II **1** Тиғли асбоблар билан зарб бериб парчаламоқ, ёрмоқ, кесмоқ. *Севаргул хаёли чалғиб, ташқарига қулоқ солди: онаси гўштқундада гўшт чопяпти.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *[Толибжоннинг қўшниларидан] Бири ходаларнинг пўстлоғини шилади. Бири пойтеша билан тўсин чопади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Тиғли асбоблар билан зарб бериб ўлдирмоқ, кесмоқ. *Юртдан айрилганни ёв чопар.* Мақол. ▬ *Одамлар ғуж бўлиб, бир-бирига найза санчар, қилич билан чопар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

3 Ўсимлик таги ва атрофини, умуман, ерни кетмон ва ш.к. билан ишламоқ, юмшатмоқ; чопиқ қилмоқ. *Ғўзаларни чопмоқ.* ▬ *Кетмон чопдим, тер тўкдим, Арпа, буғдой — дон экдим.* Қ. Муҳаммадий. *Ойим молга қарайди.. қулупнай пушталарини чопади, терт қоради.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧОПОВУЛ 1 *тар. ҳарб.* 14—19-асрларда Ўрта Осиёда душман томонга қўққисдан ҳужум қилиб, уни парокандага учратишдан иборат тактик усул.

2 *тар.* Душман ҳарбий кучлари ва объектларига тўсатдан ҳужум қилиб, ўлжа келтирувчи суворий гуруҳ.

3 *шв.* Югурдак, хизматкор.

ЧОПОН Кийим устидан кийиладиган, ичига пахта солиб қавилган узун миллий

кийим; тўн. *Бекасам чопон. Пахтали чопон. Зарбоф чопон. Чопон кийгизмоқ.* ▬ *Баъдазон ош тортилиб, андин сўнг фақирга заррин чопон ва яна жиғалиқ салла келди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Зийрак чол уйқудан уйғониб саҳар, Янги чопонини ташлар елкага.* Миртемир. *Юсуфбек ҳожи эгнида кимхоб чопон билан ўрдадан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бир чопони (*ёки* **тўни**) **икки бўлмади** Қашшоқликда кун кечиради; косаси оқармади; ёлчимади. *Ўзингиз биласиз, тўрт йилдан бери бу ерда ишлайман, тиним йўқ, ишдан бошим чиқмайди. Лекин ҳали ҳам бир чопоним икки бўлмади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Чопонини тескари киймоқ** *айн.* **тўнини тескари киймоқ** *қ.* **тўн. Эски чопонлар** *эск.* Камбағал одамлар, қашшоқлар. *Эски чопонлардан битта-яримтаси соддалик билан мабодо келиб қолса, тўйбошиларнинг кўзлари олаяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧОПОНФУРУШ Чопон, тўн билан савдо қилувчи, чопон сотувчи. *Рўзиматнинг отаси.. маҳалласидаги Сўфичопон деган чопонфурушга қароллик ҳам қиларди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

ЧОПТИРМОҚ 1 Чопмоқ I фл. орт. н. *Чўпон йигит отини чоптириб кетди.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 *с. т. бол.* Шариллатиб сиймоқ (эркаклар ҳақида). *Анов бойваччанинг устига чоптирайми! Жуда қистаниб турибман.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧОП-ЧОП Бирор ишни битириш учун тезлик билан ҳаракат қилиш; югур-югур. *Атиги уч кун муҳлат берилган эса-да, ҳайъат аъзолари қарийб икки ҳафта чоп-чоп қилиб ҳам топшириқни уддалай олмади.* «Ёшлик».

ЧОПҚИ 1 Шох-шабба қирқиш, гўшт, пиёз қиймалаш ва ш.к. ишларда ишлатиладиган катта ва оғир, пичоққа ўхшаш рўзғор асбоби; ошпичоқ. *Чопқида гўшт қиймаламоқ.* ▬ *Пичоқ, ўроқ, чопқи, ранда ва бошқа меҳнат қуролларини ўткирлаш учун ишлатиладиган предмет «эгов» деб юритилади.* «ЎТА». *Ҳадемай баргни новдадан ажратиш учун ҳаракатга келган чопқи ва пичоқларнинг чиқ-чиқи авжга минди.* Газетадан.

2 *эск.* Қиличга ўхшаш жанг қуроли; ойболта. *Шу олмос чопқи билан бир уриб, кишанни узди.* «Нурали».

ЧОПҚИЛАМОҚ Чопқи билан бирор нарсани кертмоқ, қиймаламоқ ёки чопмоқ. *Гўшт чопқиламоқ.*

ЧОПҚИЛЛАМОҚ Майда қадамлар билан тез юрмоқ, югурмоқ. *Гулнора «Шошма!» деди-ю, чопқиллаб уйларига кириб кетди.* «Ёшлик». *Бола иккиланиб, пулни олди-да, эшик томон чопқиллаб кетди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Эъзозхон Ботиралининг ёнбошида ҳамон чопқиллаб юриб келарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЧОПҚИН Тиғли қурол билан ёппасига чопиш, кесиш; қирғин. *[Алимқулбек] Умрининг кўпчилиги жонталашларда, чопқинларда ўтган.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ЧОПҚИР Тез чопадиган, елдай югурадиган; чопағон, учқур, югурик. *Чопқир бола. Чопқир от — ўткир пичоқ.* Мақол. ▬ *Бу ерда узоқ кутиб қоладиган бўлса, ҳар қандай чопқир отда, шамол извошда ҳам отасига етиб олиши амримаҳол.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *..муаллимнинг кўп яхши чопқир оти бор эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЧОПҚИРЛИК Чопағонлик, учқурлик, тез югуришлик. *Туркман отлари чопқирлиги билан машҳур.*

ЧОР I [*ф.* چار / چهار — тўрт, тўртта] Тўрт, тўртта. *Чор фасл.* ▬ *Қочай деса, чор атрофи беркилди майдон ичинда.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

Чор айланмоқ Гир айланмоқ. *[Маҳмуд] Атторлик дўкон эгаси сифати билан савдо бозорини чор айлана бошлади.* Н. Сафаров, Ниқоб йиртилди. **Чор ишкал** Қўл, оёқ, кўз ва қулоқ. **Чор ишкали бут** 1) тўрт мучаси бут, соғлом; 2) *кўчма* ҳамма иши жойида, хотиржам. **Чор улфат** *ёки* **улфати чор** Тўрт улфат, тўрт дўст; улфатлар, дўстлар. *Улфати чор, анда маза бор.* Матал. ▬ *Бу «улфати чор» ичида катта саллали, оппоқ соқолли, лекин важоҳати йигитдай бир кекса киши.. диққатни ўзига жалб этади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧОР II [*р.* царь — подшоҳ, ҳукмдор] *тар.* Россия подшоси. *Чор ҳукумати. Чор Россияси.* ▬ *Табиий, отам Руссия чор ҳукуматини сира ҳам тиламайдир.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЧОРА I [*ф.* چاره — ёрдам бериш йўли; дори-дармон; пул; қутулиш йўли] **1** Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга

чиқариш ёки унинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи; илож, тадбир. *Сўнгги чора. Кескин чоралар. Эҳтиёт чоралари. Касалликка қарши кураш чоралари.* ▬ *Завод иқтисодини кўтариш чораларини излаб топиш энг долзарб масала бўлиб турибди.* Газетадан.

Жазо чоралари Маъмурий ёки суд йўли билан бериладиган жазолар. **Маъмурий чоралар** Маъмурий йўл билан бериладиган жазолар.

2 Бирор қийинчиликдан, мураккаб вазиятдан қутулиш йўли; илож. *Чора изламоқ. Чора топмоқ.* ▬ *Қайин отангиз, эҳтимол, бунинг бирор чорасини топар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [Темур Малик] мўғулларга панд бериб, уларни қириб ташлаш чорасини изларди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Долон ўртасида тезак тутаб туради. Бу чивинлардан сақланиш учун бир чора.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Чора кўрмоқ 1) тадбир кўрмоқ; бирор мақсадни, ишни амалга ошириш ёки унинг олдини олиш учун зарур шароит яратмоқ. *Врачлар мумкин бўлган барча тиббий чораларни кўрдилар.* «Фан ва турмуш»; 2) иложини, йўлини топмоқ, иложини қилмоқ; 3) жазо, танбеҳ бермоқ. *Қаерда қўй йўқолса, Айбдор — биз, бўрилар. Еган мудир-ку, унга Қачон чора кўрилар?* Газетадан.

ЧОРА II Катта ёғоч тоғора. *Дастурхон ёзилиб, каттакон чора товоқда архар гўшти келтирилганда, Махсум меҳрибонлик билан сўз бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧОРАБЗАЛ [*ф.* چارافزار – тўрт буюм, ашё] Керакли нарсалар, асбоб-ускуналар, қурол-яроғлар ва ш.к. нинг жами. *Ишнинг чорабзали бут. Тўйнинг чорабзали тахт қилинди. Сафарга чиқиш учун чорабзал шай қилинди.*

ЧОРАК [*ф.* چارک / چاریک – тўртдан бир] **1** Тўртдан бир улуш; тенг тўрт бўлакнинг ҳар бири. *Чорак аср. Чорак кам бир соат.* ▬ *Мен Абдулла Қаҳҳор билан чорак аср турмуш кечириб, «Хотинни хотин қиладиган ҳам эр» деган хулосага келдим.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

2 Ўқув йилининг тўртдан бир қисми. *Биринчи чорак. Чорак баҳолари.* ▬ *Учинчи чоракнинг охири эди.* «Ёшлик». *Ўша йили кузда Бегимхон еттинчи синфнинг биринчи чорагидан кетиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *шв.* Баъзи ҳудудларда беш пуд (87,36 кг) га, баъзи жойларда беш қадоққа, яъни икки килограммга (кичик чорак), баъзи жойларда эса ўн қадоққа, яъни 4,1 кг га (катта чорак) тенг оғирлик ўлчови. *[Қодирқул:] Ундай бўлса, мени банкага ташлаб келасан-да.. омбордан ярим чорак гуруч олиб, секингина боғ томондан Нурмат акангникига ўтказиб қўясан.* Ҳамза, Бурунги сайловлар.

ЧОРАКОР [*ф.* چاره‌کار – тўртдан бирга ишловчи] *тар.* Бойлар ерида, олинадиган ҳосилнинг тўртдан уч қисмини ер эгасига бериш шарти билан ёлланиб ишлаган, ўз ери ёки от-уловига эга бўлмаган деҳқон. *[Ҳасан:] Ана шу мен оламан деб турган ерни Дўсматбойнинг чоракори олиб қўймадими?* Ҳамза, Бурунги сайловлар.

ЧОРАКОРЛИК Чоракор бўлиб ишлаш; ер ижараси турларидан бири. *Бутун умри чоракорликда йўқчилик билан ўтган оилада дунёга келган Тошпўлат..* К. Яшин, Ҳамза.

ЧОРАКТА Чорак каттлигидаги, чорак қисмга тенг. *Чоракта нон.*

ЧОРАСИЗ 1 Амалга оширишнинг ёки олдини олишнинг иложи бўлмаган; чораси йўқ, иложисиз. *Чорасиз дард. Чорасиз иш.* ▬ *Ғуссага ботса одам — муҳаббатга суянгай, Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай.* А. Орипов.

2 Мушкул, ноилож аҳволга тушиб қолган; ночор, бечора. *Чорасиз бир инсон учраган дамда, Унсиз саволига қилдингми жавоб?* А. Орипов.

ЧОРАСИЗЛИК Ноилож ҳолга тушиб қолишлик, чорасиз аҳвол. *Аҳмадали кўприкка ета-етгунча чорасизлик азобидан бўзлаб ўтирган опасининг қиёфаси кўз ўнгидан ўчмади.* «Ёшлик».

ЧОРАСОЗ [*ф.* چاره‌ساز – чора қилувчи, топувчи] *кам қўлл.* Тадбиркор, тадбирли, ишбилармон. *Тўғонбек каби пухта, чорасоз одамлардан бир нечасини шаҳарда ўз хизматларига олурлар.* Ойбек, Навоий.

ЧОРБОЗОР [*ф.* چاربازار – тўрт бозор] *тар.* Ҳафтанинг ҳар хил кунларида, бошқа-бошқа яқин қишлоқларда бирин-кетин ўтказиладиган бозорлар. *Пиёз яхши битган билан нархи арзон, [Кўкан] Сотолмасдан чорбозорда бўпти сарсон.* Ғ. Ғулом.

ЧОРБОЗОРЧИ *тар.* Чорбозорда савдосотиқ билан шуғулланувчи савдогар. *Чорбозорчи жаллоблар.* ▬ *Кеча бир чорбозорчи келди. Хуржуни тўла каклик.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Ёз ҳам ўтди, куз ҳам келди, қишлоқ чорбозорчиларининг куни туғди.* С. Абдулла, Соялар.

ЧОРБОҒ [*ф.* چارباغ – тўртта боғ: катта ва кўркам боғ] Шаҳардан ташқаридаги ҳовли-жойли, қўрғонли боғ, боғча. *Алишер Навоий шаҳар ташқарисидаги чорбоғига кўчиб чиқди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Чорбоғларингда мевалар пишиб, тагига тушиб ётибди.* С. Нуров, Нарвон.

ЧОРБУРЧАК *айн.* **тўртбурчак.** *Чорбурчак хона. Чорбурчак қоғоз.* ▬ *Ҳарамхона ҳовлисига чорбурчак ғишт ётқизилган.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Хайрият.. атир солинган чорбурчак қути ҳам ҳеч жойда кўринмади.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧОРВА [*ф.* چاروا / چارپا – тўрт оёқ(ли)] Қишлоқ хўжалигида: қўй-қўзи, мол. *Чорва моллари. Чорва қишлови.* ▬ *Чорва иши пахта ишидан ҳам нозик.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

Чорва одам *с.т.* Содда, оққўнгил одам.

ЧОРВАДОР [*ф.* چاروادار – юк ҳайвонларини ҳайдовчи; чорва эгаси] Чорвачилик билан шуғулланувчи киши. *Чорвадорсан, ботирсан, қўлда қўбизинг билан.* А. Орипов. *Устма-уст ёққан қор икки кунда тизза бўйи бўлди. Бу чорвадорларни гангитиб қўйди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЧОРВАДОРЛИК *айн.* **чорвачилик.** *Чорвадорлик билан шуғулланувчи ширкат хўжалиги.*

ЧОРВАЧИ *айн.* **чорвадор.** *Янги ерларга кўчиш чорвачилар учун бир байрамдек эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧОРВАЧИЛИК Қишлоқ хўжалигининг чорва молларини боқиш ва урчитиш, чорва маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Чорвачилик маҳсулотлари.* ▬ *-Ўтган йилдан эътиборан чорвачилик ҳам фойда бера бошлади, – дейди бош иқтисодчи Ҳайдарали Жўраев.* «Муштум». *Сополлитепаликлар чорвачилик билан ҳам шуғулланган.* «Фан ва турмуш»

ЧОРГОҲ [*ф.* چارگاه – тўрт давр, вақт; тўрт жой, ўрин] Ўзбек мумтоз куйларидан бирининг номи. *«Чоргоҳ» неча юз йиллардан бери айтилиб келган бўлса, яна юз йиллар бўйи айтилиши мумкин.* С. Хўжаев, Курмак.

ЧОРДАНА: чордана қурмоқ (*ёки* **қуриб ўтирмоқ)** Оёқларни тиззадан букиб ва тиззадан пастини бир-бирига чалкаштириб босиб ўтирмоқ. *Шундан сўнг ўзи [Юсуф Асвад] ҳам саватнинг ёнига келиб, чордана қурди.* Мирмуҳсин, Илон ўргатувчи. *Ошно ўзини сал ўнглаб, ерга чордана қуриб ўтирди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧОРДАРД [*ф.* چاردرد – оғир дард: тўлғоқ азоби] Туғиш вақтидаги энг кучли ва давомли дард, тўлғоқ.

ЧОРДЕВОР [*ф.* چارديوار – тўрт(та) девор] Ҳамма томони девор билан ўраб олинган, тўрт девор. *Йиллар ўтди-ю, қишлоқ Ўзгармади ва бироқ Ёқадаги чордевор Чўкиб қолди бемадор.* Ҳ. Олимжон. *Деворларда, чордеворларда исириқнинг бўйларин туйдим.* А. Маҳкам.

ЧОРДОҚ [*ф.* + *а.* چارطاق – тўрт қиррали гумбаз] Том билан шип оралиғидаги бўш жой; чердак. *Чеккадаги эгасиз ҳовлининг чордоғига биқиниб, қишлоқни кузатдик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЧОРЁР [*ф.* چاريار / چهاريار – тўрт дўст: Муҳаммад пайғамбарнинг тўрт издоши] *дин.* Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али). *-Олинг, олдирманг.. чорёр мададкорингиз бўлғайлар! – деб халифа.. уйдан чиқдилар.* С. Айний, Қуллар. *Мусулмонни дўстим десин чорёр.* «Юсуф ва Аҳмад». *Ислом анъанасида чорёрлар ҳукмронлик даври исломнинг олтин асри деб юритилади.* «ЎзМЭ».

ЧОРЗАРБ [*ф.* + *а.* چارضرب / چهارضرب – тўрт зарб, такт] Ўзбек мумтоз куйларидан бирининг номи.

ЧОРИ Дон маҳсулотларини ғалвирлаб тозалашда, элашда ҳосил бўладиган қолдиқ. *Катта хирмон қизил бўлса, чори чиқмас.* Мақол. ▬ *Бозорда хирмоннинг фақат чориси қолди.* С. Айний, Дохунда.

ЧОРИЗМ [*р.* царизм – подшоҳлик] *тар.* Россия подшоҳининг, монархиянинг чекланмаган ҳокимиятга асосланган давлат тузуми.

ЧОРИКОР *с.т. айн.* **чоракор.** *Кетмон, чўкич, ўроқ, сўйил кўтарган жабрдийда косиблар, деҳқонлар, чорикорлар, қўшчилар*

тўдалашиб, Хива сари отланди. С. Сиёев, Аваз.

ЧОРИҚ Қаттиқ хом теридан тикилган, асосан тоғлик ҳудудлар халқлари орасида расм бўлган оёқ кийими. *Нодонни сийласанг, чориғи билан тўрга чиқар.* Мақол. ▬ *Омон мерган махси устидан чориқ кийиб олган, оёғи енгил, қорга ботмасди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

Чориқ судрамоқ Бири икки бўлмай, ҳеч нарсага ёлчимай кун кечирмоқ. *Қийинчиликка қийин, болам. Лекин чориғимизни судраб юрибмиз.* Ойбек, Танланган асарлар. **Юзи чориқ** Юзи шумшук; юзи хунук. *Борнинг юзи ёруғ, йўқнинг юзи чориқ.* Мақол.

ЧОРКУНЖ [*ф.* چارکنج – тўрт бурчак(ли)] *айн.* **чорбурчак.** *Шаҳар чеккасидаги тор, каталак ҳовли. Дарвоза олдидаги чоркунж, кичик меҳмонхонада отаси Зайниш кўса маҳси тикарди.* Н. Аминов, Елвизак. *Паст бўйли, елкалари кенг, юзи чоркунж Шайдулов.. пихпих кулди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЧОРКЎЧА [*ф.* چارکوچه – тўрт кўча, йўл] *айн.* **чорраҳа.**

ЧОРЛАМОҚ 1 Ҳузурига чақирмоқ. *Куёвни у [Раҳимов] тез-тез Тошкентга чорлаб турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Табибий гўё ушбу фармонни била туриб, атайин Авазни саройга чорлаб кетгандек хижолат чекди.* С. Сиёев, Аваз. *Азон жамоатни пешин намозига чорлади.* «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма* Бирор нарсага ундамоқ. *Бу нидо кетмагай қулоғимиздан, Бизни тинчлик учун курашга чорлаб.* «Шарқ юлдузи». *Баҳор бизни яна янги меҳнатга, ижодга.. чорламоқда.* «Саодат».

ЧОРЛОВ Чақириш, ундаш. *Марҳумнинг тушидаги чорлови бир неча кунгача юрагини ғаш қилиб юрди.* «Ёшлик». *Бу соғинч, бу чорлов [қизнинг] юз-кўзларида ўз ифодасини топади.* «Саодат».

ЧОРМИХ [*ф.* چارمیخ – тўртта мих; тўрт қиррали мих; ўтмишда жазолаш воситаси ва усули] Катта мих. *Отаси Афғонистондан олиб келган дандон сопли устара ярим очиқлигича чормихга илиниб турарди.* С. Сиёев, Аваз.

ЧОР-НОЧОР [*ф.* چارناچار – истар-истамас, ноилож] *рвш.* **1** Ноилож; истар-истамас. *Чор-ночор рози бўлмоқ.* ▬ *Саид кўнгли ғашланиб, ўрнидан турди, чор-ночор галстугини тақди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Шавкат чор-ночор ўртоқлари билан хайрлашди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 Муҳтожлик билан, муҳтожликда. *Чор-ночор кун кечирмоқ.*

ЧОРОЙНА [*ф.* چارآئینه – тўрт ойна, кўзгу: совут; қурол-яроғ] *фольк.* Тўрт парча ясси темирни бириктириб ясаладиган, зирҳли кийим устидан кўкрак ва елкага тақиладиган ҳимоя мосламаси. *Дубулға бошида, чоройна тўшида, худди яшин оққандай бўлиб, беклар тизилиб келяпти.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧОРПАЛАК [*ф.* چارفلکه – тўртта палак] **1** Бодринг, қовун, ғўза сингари ўсимликларда тўртинчи барг чиқарган ниҳол. *Ғўзалар чорпалак бўлиб қолди.*

2 Шундай ниҳоллар чиқариш даври.

ЧОРПАҲИЛ [*ф.* چارپهلو – тўртта томон(ли); семиз, тўла] Тўладан келган, яғрини кенг; ғўлабур, миқти. *Чорпаҳил йигит.* ▬ *[Ўртоғининг] Бўйи Маҳкамникидан пастроқ, лекин чорпаҳил эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Йигит дарвозахонага кириб кетди-да, чорпаҳилдан келган ўрта ёшли кишини бошлаб чиқди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧОРПОЯ [*ф.* چارپایه – тўртта оёқ(ли); табуретка] Очиқ ҳавода ўтиришга, ётишга мўлжалланган, тўрт оёқли ва панжарали катта кенг ёғоч каравот, сўри. *Хола айвондаги чорпояга кўрпача тўшаб, чой дамлаб келди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Қизлар чорпояга чиқиб, кўрпачага ўтиргач, Ражаббой Сатторни ўчоқбошига чақирди.* Ў. Усмонов, Қисмат.

ЧОРРАҲА [*ф.* چهارراه / چارراه – тўртта кўча ёки йўл кесишган жой] **1** Транспорт қатнайдиган кўчаларнинг кесишган, серқатнов, гавжум жойи; чоркўча. *Аҳмад бригадир чорраҳадаги светофорнинг сариқ кўзи ёниб турганда шошиб ўтиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *..чорраҳалардаги олабула тўсиқлар, семафор чироқлари жуда кўримли эди.* «Шарқ юлдузи».

2 *кўчма* Ҳаёт, умр йўли; ҳаётдаги туб бурилишлар даври. *Умр чорраҳалари.* ▬ *Аҳмаджоннинг ҳаёт чорраҳаларидан Адолат ғойиб бўлди-ю, бу чорраҳалар жуда-жуда зерикарли, файзсиз.. бўлиб қолди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧОРСИ, чорсу [*ф.* چارسو / چارسوق – тўрт томон; тўғри бурчакли квадрат; бозорда расталар кесишган майдон] **1** *сфт. тар.* Тўрт томони тенг тўртбурчак шаклидаги;

квадрат. *Чорси рўмол. Чорси ҳовуз.* ▬ *Новдалари қирқилавериб тўмтоқ каллак бўлиб қолган қатор тут дарахтлари чорси карталарни ажратиб турибди.* Мирмуҳсин, Умид. *У каттакон чорси қийиқчанинг бир учидан тутиб силкитди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 *шв. от* Белбоғ, қийиқча. *Бобур мижжаларида йилтираган томчиларни ипак чорси билан артишдан истиҳола қилмади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Мулла Чори, қўлида тупроқ солинган кўк чорси, Ғайбаровнинг ёнига келди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

3 *шв. от* Катта рўмол. *Кампир негадир оқ сурп чорсисининг учини лабига қистириб олган, юзи сирлироқ кўринарди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Қаршимда оппоқ чорсига ўралган.. бор дунёси фариштадай улуғ сиймо турарди.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари. *Юзларини тилим-тилим ажин қоплаган қайнонаси дока чорсисининг учларини кифтларига елвагай ташлаган кўйи.. муштдек кичрайиб ўтирарди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

4 Тарихий шаҳарларда: усти ёпиқ савдосотиқ жойи, яъни бозорнинг марказий, расталар кесишган жойи; умуман, савдосотиқ жойи. *Авазхон бундай қараса, шаҳар.. чорсу билан регистондан иборат экан.* «Гулшанбоғ». *Хивада чорсу дўконлари кўпроқ Ота ва Полвон дарвозалар кўчалари бўйлаб жойлашган эди.* «ЎзМЭ».

ЧОРСУПА [*ф.* + *а.* چارصفّه – тўрт(та) супа] Тўрт томонининг узунлиги бир хил супа. *Ҳовли саҳни оппоқ, чорсупа юзи, супа устидаги сўри ёғочлари оппоқ.* «Шарқ юлдузи».

ЧОРТАНГ [*ф.* چارتنگ – тўрт томони сиқиқ, камбар, зич] Қизғин, жўшқин, жонли (гап, суҳбат ва ш. к. ҳақида). *Чортанг суҳбат. Чортанг ўтириш.* ▬ *Шоирнинг одатда суҳбат қурадиган хонасига кирганида, гап чортанг эди.* Ойбек, Навоий.

ЧОРТОР [*ф.* چارتار – тўртта тор(ли)] Тўрт торли мусиқа асбоби.

ЧОРТОҚ [*ф.* + *а.* چارطاق – тўрт қиррали гумбаз; айвон] Хонларга, бекларга мансуб ҳашаматли бино; сарой, қаср. *Тунов кун Бадиуззамон мирзо ўз чортоқида.. бир мажлис тартиб бермишлар.* Ойбек, Навоий.

ЧОРХАРИ 1 Тўртта кесишувчи хариси бўлган, тўрт харили.

Чорхари уй (*ёки* **айвон)** Ўртадаги битта устунга таянувчи тўртта харили катта квадрат хона, айвон. *Катта, чорхари уйга кирдилар. Чол Жамшидни қўярда-қўймай тўрга ўтқазди.* «Ёшлик».

2 Моллар турадиган бостирма.

ЧОРЧЎП [*ф.* چارچوب – тўртта ёғоч, тахта] **1** Тўртта тахтачадан ясалган рамка. *Дераза кўзлари, ром чорчўплари ва ғиштлари яна титради.* «Ёшлик». *Стол устидаги чиройли чорчўпга солинган, чоғроқ катталикдаги сурат.. беихтиёр киши ихтиёрини ўзига жалб этарди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

2 *бнк.* Иморатнинг тўрт девори пойдеворига қўйиладиган тўрт тагсинч.

ЧОРШАНБА [*ф.* چهارشنبه / چارشنبه – шанбадан кейинги тўртинчи (кун)] Ҳафтанинг якшанбадан кейинги учинчи куни. *Пайшанбанинг келиши чоршанбадан белгили.* Мақол. ▬ *Чоршанба – муродбахш кун, дейдилар.* Газетадан.

ЧОРҚИРРА 1 Тўрт қиррали. *Шавкат айвоннинг чорқирра устунини қучоқлаб, энасига зимдан қараб, жилмайиб тураверарди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 Буғдой нави.

ЧОТ Икки сон ораси; бут оралиғи. *Ғозга эргашаман деб, чумчуқнинг чоти айрилибди.* Мақол.

ЧОТМОҚ *фольк.* Урмоқ, саваламоқ. *Аччиқлансам, отга қамчи чотарман..* «Алпомиш». *Ғайрат қилиб бу бекзот «Чуҳ», деб қамчини чотди.* «Интизор».

ЧОЧ *с.т.* Соч, зулф. *Турқи яхши болам, сендан сўрайман, Чочи узун қизим, қайда борасан?* «Эрали ва Шерали».

ЧОЧВОҚ *с.т.* Сочбоғ. *Хотинининг кучи йўқ, Чочвоғининг учи йўқ.* «Қўшиқлар».

Чочвоқ ўт Пояси сутли ёввойи ўсимлик.

ЧОЧИҚ I *с.т.* Сочиқ, лунги.

ЧОЧИҚ II **1** Сочилган, сочилиб ётган; паришон.

2 *этн.* Тўйларда куёв, янги туғилган ёки хатна қилинаётган бола бошидан сочиладиган ва асосан, болалар талашиб-тортишиб териб оладиган майда пул, ширинлик ва ш.к.; сочқи. *Куёв поччангиз келди, қочингиз, Чочиқ чочингиз, йўлни очингиз.* Ғ. Ғулом.

ЧОЧМОҚ *с.т.* Сочмоқ; сепмоқ. *Эралихон подшо арава-арава танга-тилла чиқариб, Бўзўғлон подшонинг ўз иззати билан бошидан чочди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧОЧОҚ Сочоқ, попук. *Дастурхон чочоғи. Чочоқ гулли ўсимлик.* ▬ *Минган оти тўбичоқлар, Найзада заррин чочоқлар.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ЧОЧОҚБОШ Чочоқ бошли, супургисимон гулли ўсимлик.

ЧОЧПОПУК *с.т.* Сочпопук.

ЧОЧҚИ *айн.* **чочиқ** II **2**. *Аскарнинг боши узра чочқилар чочилди.* «Ёшлик».

ЧОШ 1 Тозаланган ғалла, пахта ва ш.к.нинг хирмондаги уюми; уйилган ғалла, хирмон. *Қариндошингни ошга чақир, чошга чақирма.* Мақол. ▬ *Ҳайдар ғалвирни олиб, чош бошига келиб тўлдирди.* С. Айний, Қуллар.

2 *рвш.* Лиммо-лим, лиқ тўла. *Яхшилаб ош дамлаб, ноз-неъматлару бизнинг ўзимиздан чиққанларини дастурхонга чош этиб, гурунгни гуллатиб юбордик.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бир оз фурсат ўтиб, кампир уйга ҳам катта товоққа чош қилиб солинган гўшт кўтариб кириб кетди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

Чош ғалвир Йирик кўзли ғалвир.

ЧОШГОҲ [*ф.* چاشتگاه – тушгача бўлган вақт] Кун анча кўтарилиб қолган вақт. *Чошгоҳ вақти ўтиб, ота, туш бўлди.* «Интизор». *Кун чошгоҳга бориб, туман бутунлай кўтарилди.* «Ёшлик». *Ўша куни чошгоҳдан то ярим кечагача Темур беҳуш ётди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

ЧОШНИГИР [*ф.* چاشنیگیر – татиб кўрувчи] *тар.* Хон ва подшоҳлар саройида: шоҳ оиласи ошхонасининг бошлиғи (шоҳга тайёрланадиган таомларни дастлаб татиб кўрувчи шахс).

ЧОШ-ЧОШ *рвш.* Тўла-тўла, лиммо-лим тўлдириб, тошириб. *Чош-чош тўрт пиёла гуруч.*

ЧОҚ *айн.* **чоғ** I. *Ўлимга ким тайёр турса ушбу чоқ, Олдинроқ ўлган, ё туғилган ўлик.* Х. Даврон, Қақнус. *Пайдо бўлди айни шу чоқда Тепаликда иккита одам.* Ҳ. Олимжон.

ЧОҚЛАМОҚ *фольк. айн.* **чоғламоқ.** *Қалдирғоч акасини отлантириб, от-анжомини чоқлаб, яхши бор, деб бул сўзни айтиб турди.* «Алпомиш».

ЧОҚҚИНА Кичикроқ, унча катта бўлмаган. *Чоққина хона. Ерга қалин кигиз тўшалган.* Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари. *Мастура кекса бувиси билан Қоратошдаги чоққина ҳовлида яшарди.* Э. Аъзамов, Жавоб.

ЧОҒ I Вақт, давр; пайт, кез, кун, он. *Тонг чоғи. Терим чоғи. Шу чоғ. Айни чоғда. Ёш чоғим – олтин чоғим.* Мақол. ▬ *Йигитлик йилларим ёдимга келур, Зарафшон бўйларин ўйлаган чоғим.* Ғ. Ғулом. *..қариган чоғимда бир замонлар беомон бой берилган вақтимнинг ҳам ҳиссасини чиқарсам, юзим ёруғ бўлса, деб ўйлайман.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧОҒ II Хурсанд, шод, яхши. *Қарға «қағ» этади, ўз вақтини чоғ этади.* Мақол.

Димоғи (*ёки* **кайфи, кўнгли**) **чоғ** Кайфияти жуда яхши. *Гўрўғли султоннинг димоғини чандон чоғ қилиб ёта берди.* «Маликаи айёр». *Қизлар, кайфи чоғ, ғуғулашиб, коридорга чиқишди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Қассобнинг ўнг қаватида Самад чол, кўнгли чоғ, келгувчилардан ҳол-аҳвол сўраб қўяди.* «Ёшлик».

ЧОҒ III Ўлчови, ўлчами мўлжалдан кичик, кичкина. *Қадди чоғ.* ▬ *Унинг [боланинг] жуссаси чоғ бўлса ҳам, чайир эди.* Газетадан. *Кўп ўтмай, ўртадаги чоғроқ столга дастурхон ёзилди.* «Шарқ юлдузи». *-Марҳамат, дўстлар, – деб дастёр йигит чоғроқ бир баркашда столга тўрт сих кабоб қўйди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

2 Тор. *Саҳни чоғ ҳовли.* ▬ *[Йигитнинг] Этиги ҳам, қўлқопи ҳам ўзига чоғ эмас, катта.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЧОҒ IV: **чоғ бўлиб турмоқ** Тайёр, шай бўлиб турмоқ.

ЧОҒ V Куч-қувват, қурб; имконият; истак. *Чоғим келмади.* ▬ *Тоғай деворга беҳол суянаркан, уларни қувиб етишга чоғи келмаслигини сезди.* «Ёшлик». *Энди қўйиб берсанг, одамни писанд қилмайдиган чоғи бор.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

ЧОҒИ 1 *мод. с.* Афтидан, шекилли. *Бу йил қурғоқчилик бўлади, чоғи.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Тахминан; қарийб, чамаси; -га яқин. *Икки минг чоғи одам.* ▬ *Алланарса деб пичирлади. Чоғимда, ўша икки сатрни такрорлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЧОҒИР *эск.* Май, шароб. *Фироқ ўтида овунсам чоғир била не ажаб..* Бобур. *Уй эгаси пешвоз бўлиб.. чоғир – қирмиз шароб тутади.* Ҳ. Олимжон.

ЧОҒИШТИРМА Солиштирма, таққослама; қиёсий. *Чоғиштирма анатомия. Чоғиштирма грамматика.*

ЧОҒИШТИРМОҚ Бирор нарса, воқеа-ҳодиса, белги ва ш.к. ни бошқаси билан ўзаро таққослаб кўрмоқ; қиёсламоқ, солиштирмоқ. *Ўзаро чоғиштирмоқ. Икки вариантни чоғиштирмоқ.* ▬ *Нозик Амакини хаёлан ўз дадасига чоғиштириб кўрди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Яна чоғиштиринг:* ***сапча, чўпчак, чақалоқ*** *каби.* «ЎТА».

ЧОҒЛАМОҚ I **1** Ҳозирламоқ, тайёрламоқ, шай қилмоқ. *Соқи Мажнун кўк отни чоғлаб, эгарлаб олиб келди.* «Нурали». *Ўзимни йўлга чоғласам, Ҳар кимдан сўроқласам, Топарманми, болам, сени?* «Ойсулув».

2 Ҳисобламоқ, ..деб ўйламоқ. *Хуррамбек! ..Э-э, ўзини қарийб Иброҳимбек билан тенг чоғлайди.* Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари. *Йўл устида бундай жойда бўлибсан, Ўзингни ким чоғлаб, бобо, турибсан?* «Интизор».

3 Тахмин, мўлжал билан аниқламоқ, мўлжалламоқ, тахмин қилмоқ. *Қуйининг гўштини қанча чоғладингиз?* ▬ *Акбарнинг ғўлабурдай бўй-бастига кўз қирини ташлаб, бир уришда қулатиш мумкинлигини чоғлади.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Агар ёшимни назарда тутаётган бўлсангиз, мени.. йигирма беш яшар чоғланг.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

4 Мўлжалга олмоқ, кўзламоқ. *Хотин ҳарам дарвозасини чоғлаб борар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ўрлайверди самолёт Олис-олисни чоғлаб.* Газетадан.

ЧОҒЛАМОҚ II Ўзини ёки кимсани хурсанд қилмоқ; вақтини, кайфини ёки димоғини чоғ қилмоқ. *Подшо димоғин чоғлади.* «Гулнорпари».

ЧОҒЛИ Тахминан, қарийб, деярли; ..чамасидаги. *Эллик чоғли аскар. Бир тонна чоғли юк.* ▬ *Уни [секретарни] бирданига юз чоғли одам ўраб олди.* «Шарқ юлдузи». *Ўттиз чоғли эркак-аёллар йиғиштиринмоқда эдилар.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ЧОҒЛИК I: **вақти** (*ёки* **кайфи, димоғи**) **чоғлик** Хурсандлик, шодлик. *Одам деган вақти чоғликда ҳам, хафагарчиликда ҳам посангисини йўқотмагани тузук.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Вақти** (*ёки* **кайфи, димоғи**) **чоғлик қилмоқ** Хурсандчилик қилмоқ, хурсандлик, вақтихушлик билан вақт ўтказиб, кўнгилни ёзмоқ. *Даврон бу бемаъни таърифдан дилғашланиб, киноя билан: -Нега, вақти чоғлик қилиш учунми? — деди.*

ЧОҒЛИК Кичиклик; торлик. *Аммо Яшинимиз жуссаси бу пўстинлар учун чоғлик қилиб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЧОҲ [*ф.* چاه — қудуқ; чуқур, ўра] **1** Чуқур ўра. *Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан.* Мақол. ▬ *Зум ўтмай, пол ёрилиб, даҳшатли чоҳ кўринди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Қаър; оғуш. *Сен уни оқ қилдинг! Нега оқ қилдинг?! Разолат чоҳига тушдинг юзтубан!* «Ёшлик».

(Тагига) чоҳ қазимоқ Бирор кимсага зарар-заҳмат етказиш мақсадида зимдан ҳаракат қилмоқ. *Аслини сўрасангиз, ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз. Лекин бандаси шуни била-кўра туриб, бир-бирининг тагига чоҳ қазийди.* К. Яшин, Ҳамза. *[Душманлари] Сўнг муллага қарши чоҳ қазишнинг амалий томонларини гаплашдилар.* «Ёшлик».

ЧУ *айн.* **чув** I. *Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам! Муродга қасд қилиб югурган етур.* У. Носир. *Кейин эгарга ўтирдим-у, «чу, жонивор», дея эшакка хала босдим.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧУБУР *шв.* Оддий, хашаки от. *Бир тулпорни нодон олса, Туёғидан эгар солса, Чубур қилиб миниб олса, Бедовнинг қадрин на билсин.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ЧУВ I *унд. с.* Отни чоптириш, олдинга ундаш учун ишлатилади. *-Чув, ҳа! — деди, қамчи чотди, Урган қамчи симдай ботди.* «Ширин билан Шакар». *Чув, дейди тулпор отни, Оти қилди ғайратни, Гўрўғли шердай ҳайбатли.* «Гулшанбоғ».

ЧУВ II Арава ўқининг ғилдиракни тутиб турадиган қулоғи; чув чўп.

Чуви чиқмоқ Сири очилмоқ; ёлғони фош бўлмоқ. *Ёлғон гапнинг чуви чиқар.* Мақол. ▬ *Борди-ю Маматовнинг чуви чиқадиган бўлса, менинг ҳам ҳолимга маймунлар йиғлаши турган гап.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЧУВ III Қиморда тўрт ошиқнинг ютқизиқ ҳолати (битта олчи, учта чикка ёки битта товва, учта пукка).

Чув тушмоқ 1) қиморда ташланган тўрт ошиқ чув ҳолатини олгани учун ютқизмоқ. *Очиқ кўксига уриб, ошиқ отади. Чув тушиб нечалар, кайф тарқатади.* Ғайратий; 2) *кўчма* зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ, фириб емоқ. *-Тоза чув тушдик-ку! — Ортиқ чидамай, ўрнидан туриб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧУВАК I Қотмадан келган, ориқ; кичкина, озғин. *Чувак бола.* ▬ *Бош агроном рангпар, чувак юз, бидиллаб гапирадиган йигит эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Узоқ қишлоқларимиздан бирида Уста Хушвақт деган чуваккина одам яшайди.* Мирмуҳсин, Ясама гул.

ЧУВАК II Ёзлик енгил оёқ кийими; шиппак. *Ниҳоят, кимнингдир тақ этиб полга тушгани, сўнг енгил чувак судраган оёқ товуши эшитилди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЧУВАЛАНМОҚ 1 *айн.* **чувалмоқ 1.** *Чуваланган ип. Чуваланган бўйра.* ▬ *[Аёл] Пойгакда чуваланиб ётган улама сочини олиб, ичкари уйга кирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 *айн.* **чувалмоқ 2.** *[Нурбекнинг] Хаёли чуваланмоқда эди.* «Ёшлик».

ЧУВАЛАШМОҚ 1 *айн.* **чувалмоқ 1.** *Маҳалла кўчаларида.. симёғочлар қийшайиб, баъзи ерларда электр, телефон симлари узилиб, чувалашиб ётарди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *айн.* **чувалмоқ 2.** *Баҳонаю сабаб риштаҳаларининг қанчалар чувалашиб бораётганини сезаётган чиқарсиз?* М. М. Дўст, Лолазор. *Заргаров гапирарди-ю, лекин фикри қандайдир чувалашиб кетганини, айтадиган асосий гапи бу эмаслигини пайқаб турар, асабийлашар эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

3 Чуввос солиб ўралашиб юрмоқ (асосан болалар ҳақида). *Оёқ остида чувалашаверманглар!*

ЧУВАЛМОҚ 1 **Чувамоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Қўлида узилган чипор арқон, салласи чувалиб кетган Вафо аттор рўпарасида ҳансираб турарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 *кўчма* Аралаш-қуралаш бўлмоқ, қоришмоқ. *Чувалиб кетган фикрлар. Чувалган хаёллар.* ▬ *Чувалади ўйларим сенсиз, Хаёлимга тароқ ургайман.* А. Орипов. *Ўй-хаёллар гирдобида онанинг фикри чувалгани-чувалган.* «Ёшлик».

Гап (*ёки* **сўз**) **чувалди** Гап кўпайди. *Оқсоқолларга бор-буд аҳволни билдириш мумкин эмас. Айниқса, энди гап чувалиб кетади.* О. Мухтор, Эгилган бош.

ЧУВАЛЧАНГ Ер остида яшовчи, ёмғирдан сўнг ер устига чиқиб, судралиб юрадиган, умуртқасиз жониворлар гуруҳига мансуб узун қорамтир-қизғиш қурт. *Боссанг, чувалчанг ҳам қимирлайди.* Мақол. ▬ *Ариқдан топилган ёлғиз чувалчанг ўрмалаб чиқаётган экан.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЧУВАМОҚ 1 Ёзмоқ, бўшатмоқ (коптокка, ғалтакка ўралган ёки калаваланган ип, сим ва ш.к. ҳақида). *Ғалтакдаги ипни чувамоқ.* ▬ *Ҳакимжон акамлар актни гумдон қилибдилар. Калавангнинг учи чувамасин, деб мени «Солор» ресторанига кўчирмоқчилар.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

2 Тўқилган нарсани титиб, суғуриб бузмоқ. *Бўйрани чувамоқ.*

Гап чувамоқ Гап ковламоқ, гап-сўзни кўпайтирмоқ. **Гап чувайди** Гап айланади, гап-сўз кўпаяди. *Секин, секин гапир! Хотинлар эшитса, гап-сўз чувайди..* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧУВАТМОҚ **Чувамоқ** фл. орт. н.

Гап чуватмоқ *айн.* **гап чувамоқ** *қ.* **чувамоқ.** *Миробид Муҳаббат тўғрисида ҳам унча-мунча гап чуватиб қўйди.* В. Ғофуров, Вафодор.

ЧУВАШ *қ.* **чувашлар.** *Чуваш тили. Чуваш аёл.*

ЧУВАШЛАР Россия Федерациясининг Чувашия (Чаваш) Республикасида ва унга қўшни ҳудудларда яшовчи туркий халқлардан бири. *Чувашиянинг шимолий қисмига келиб ўрнашган булғорлар билан фин-угор аҳолисининг аралашуви натижасида 15-асрга келиб чуваш халқи шаклланди.* «ЎзМЭ».

ЧУВВОС Тартибсиз ғовур-ғувур гап, товуш; қий-чув. *Қизлар чуввос солиб кулади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Бир уй хотин чуввос кўтарди.* С. Аҳмад, Хукм.

ЧУВИМОҚ 1 Титкилаб юмшатмоқ, титмоқ. *Жун чувимоқ. Эски пахтани чувимоқ.*

2 Пахтани чаноғидан суғуриб чиқармоқ. *[Аёл] Лавлагини қозондаги қуруқ сувга ташлаб қўйиб, керосин чироқ ёруғида саҳаргача кўсак чувиди.* С. Нуров, Нарвон.

ЧУВЛАМОҚ I «Чув-чув» деб, отни юришга ундамоқ. *Чувлаб от қўяди ул замон беклар.* «Маликаи айёр».

ЧУВЛАМОҚ II *шв.* Чувурлашмоқ, қийчув кўтармоқ. *Ҳаммалари чувлашди, Боққа тезроқ етсак, деб.* «Маликаи айёр».

ЧУВОҚ 1 Чуваланган, чувалашиб, чалкашиб кетган. *Чувоқ ип.* ▬ *У бошини қуйига энгаштирди ва чувоқ соқолини тузатиб, фикрда қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *айн.* **офтобчувоқ.** *Исинди чувоқда қушлар.* «Шарқ юлдузи».

Чувоқ офтоб *айн.* **офтобчувоқ.**

ЧУВРИНДИ 1 Эски-туски, увада, жулдур (асосан, кийим-кечак ҳақида). -*Чувринди чопончада эдинг, оёқларингда эски калиш.. кўча четида писта сотиб ўтирардинг, — деди Яхшибоев.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *кўчма* Эски, жулдур кийимли одам; қашшоқ. *Наинки шу етимча чувринди ҳам эшонойи бўлиб, бизнинг қаторимизга қўшилса?!* С. Анорбоев, Меҳр. *Сен-ку бир чувринди эдинг. Энди одам бўлиб қолдингми?* «Шарқ юлдузи».

ЧУВУЛЛАМОҚ *айн.* **чувурламоқ.** *Ҳамма чувуллаб, раиснинг гапини маъқуллади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Чувуллашар шодланиб қушлар.* Уйғун.

ЧУВУР I Қоришиқ қий-чув, ғовур-ғувур гап, овоз; чуғур. *Кўчадаги хотинлар чувури, болалар йиғиси юрагига ваҳм соларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧУВУР II *шв. айн.* **чубур.** *Шу ёмон чувур билан биздан илгари келибсан.* «Алпомиш».

ЧУВУРЛАМОҚ Тартибсиз, ҳар ёқдан сўзламоқ, ғовур-ғувур, қий-чув қилмоқ. *Қизлар кампирни алахситиш учун бирдан чувурлаб юборишди.* С. Аҳмад, Онажонлар.

ЧУВУР-ЧУВУР Чувур I с. такр. *Лак-лак одам. Чувур-чувур қилиб, алланималарни гаплашишади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Чувур-чувур тўхтади.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЧУВ-ЧУВ *айн.* **чувур-чувур.** *Амаки дарвозани очиши билан болаларнинг чув-чуви эшитилди.* Газетадан.

ЧУЙМОҚ *фольк.* Овга қуш солмоқ; қуш солиб ов қилмоқ. *Шаҳзодаси шунқор қувиб чуйиб юрганда, Хизматкор беклари тинч бўп ётарми?* «Юсуф ва Аҳмад». *Беклар чуяр олтин кўлга қушини.* «Юнус пари».

ЧУК *бол.* Ўғил боланинг таносил аъзоси.

ЧУКБУРРОН [чук + *ф.* بران – қирқиш, кесиш] *этн.* Хатна (ўғил) тўйида тўйнинг охирги босқичи, боланинг чукини кесиш маросими. *Ўғлини чукбуррон қилдираётган экан.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ЧУКРИ *шв.* Ровоч. *[Хуррам:] Тоғдан чукри опкелиб сотишимни биласизми?* «Ёшлик». *Рангон тоғнинг ҳақиқий чўққилари, чукрилар тиғиз ўсган унгурлар.. ҳали олдинда эди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ЧУК(У)РОН *с. т. айн.* **чукбуррон.**

ЧУЛДИРАМОҚ 1 Шалдирамоқ, шилдирамоқ. *Баҳор чоғи чулдираган ирмоқлардан.. Салом бўлсин саховатли йил бошига.* А. Орипов. *Жилғаларда сувлар пастликларга шитоб билан чулдираб оқа бошлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Чулдир-чулдир, ёқимли овоз билан сайрамоқ. *Қир устида сўфитўрғай нозик чулдиради.* М. Мансуров, Ёмби. *..рўпарадаги қалин боғлар қўйнида бижилдоқ қушларнинг чулдираб сайрагани эшитилади.* «Ёшлик».

3 Гўдакка хос гапирмоқ; бижирламоқ. *Жамалаксоч қизалоқ ботинкаси билан эшикни тепиб очиб, чулдираб, Жўрабек ака каравоти ёнига келди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

Чулдираб қолмоқ Кайфи ошиб ёки довдираб, тили гапга келмай қолмоқ. *Ичкиликка Иваннинг энди иштаҳаси очилган пайтда Мутавалли маст бўлиб чулдираб қолди.* М. Осим, Элчилар. *Азимбойвачча икки пиёладаёқ чулдираб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЧУЛДИРАТМОҚ 1 Чулдирамоқ фл. орт. н.

2 «Чулдир-чулдир» овоз чиқармоқ (ҳуштак чалганда, чилим чекканда ва б. ҳолатларда). *Ҳуштакни чулдиратиб чалмоқ. Чилимни чулдиратиб тортмоқ.*

ЧУЛДИР-ЧУЛДИР *тақл.с.* Сувнинг оқиши, қушларнинг сайраши, ҳуштакнинг чалиниши ва ш.к. да чиқадиган овозни ифодалайди. *Сувнинг чулдир-чулдири.*

ЧУЛИ-ЧУЛИ: чули-чули бўлмоқ 1) бетартиб, бошбошдоқ бўлиб қолмоқ; 2) *айн.* **чулдираб қолмоқ** *қ.* **чулдирамоқ 3**.

ЧУЛКИ [*р.* чулки, *бирл.* – чулок < *т.* «чулғов, чулғамоқ» с. дан] Хотин-қизларнинг тиззадан юқоригача кийиладиган узун пайпоғи. *Капрон чулки.*

ЧУЛОН *шв.* Шулон, тугун оши. *Гўрўғлибек айтди: -Подшо деганнинг қаторида нори бўлади, Ҳамиша фуқароларга бериб турадиган чулони бўлади.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ЧУЛЧИТ *с.т.* Гапга сира ҳам тушунмайдиган, гап уқмайдиган одам. *[Фотима:] Ҳеч бўлмаса насибангни олсанг-чи! Қандоқ чулчитсан!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. [*Малик:] Чулчитга ўхшаб нега гапга тушунмайсан?* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧУЛҒАМОҚ 1 Айлантириб, атрофлаб ўрамоқ, атрофига ўраб қўймоқ, ўраб чиқмоқ. *Нари-бери бўз салласини бошига чулғаб..*

дарвозадан ичкарига кириб бормоқда бўлган Сафар бўзчини махдум тўхтатди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Икромжон от жиловини эгар қошига омонатгина чулғаб, тол тагига келди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Қопламоқ, босмоқ, буркамоқ. *Хона ичини ғира-шира қоронғилик чулғади.* «Ёшлик». *Нурбек эти увушганини, теграсини нимҳарир туман чулғаганини пайқади.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Руҳиятини, вужудини эгалламоқ, банд этмоқ, қамраб олмоқ. *[Авазнинг] Кўксини алам, кек, ифодасиз бир ўтли туғён чулғади.* С. Сиёев, Аваз. *Сунбулахон аяни куни бўйи ваҳимали хаёллар чулғади.* Мирмуҳсин, Умид. *Шундагина бирдан Нурбекнинг вужудини қўрқув чулғади.* «Ёшлик».

ЧУМАК I *шв.* Жўмрак. *Нормат яна уйда қамалиб қолди, энди эски чориқларни ямаш, чумаги синган чойнакларни чегалаш билан овунар эди.* «Ёшлик».

ЧУМАК II: **чумак урмоқ** Ранг, тус олиб, қизариб пиша бошламоқ (эртапишар узум, чиллаки ҳақида). *Бизнинг томорқадаги чиллаки ҳамманикидан олдин чумак уради.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. **Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради** Бир-биридан кўриб ўрнак олади, тақлид қилади, бирбиридан ўрганади. *Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, дегандек Зебонинг шодон руҳи, қараши Муҳаррамга кўча бошлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЧУМОЛИ Оила, тўда бўлиб бир уяда яшайдиган кичкина ҳашарот; қумурсқа. *Қизил чумоли. Қанотли чумоли.* ▬ *Эрта кузнинг илиқ, майин, тиниқ тунида чумолининг япроқлар устида ўрмалагани ҳам эшитилади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бир гал яримта бошоқни судраб кетаётган чумолини кўрганман.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

Чумоли бел Хипча, ингичка белли, нозик бел.

ЧУМОЛИЧА *рвш.* Чумолидай кичкина, зиғирдай. *Шу замон кўзингиз олдида бирдан Кичик чумолича қолгуси Фарҳод.* А. Орипов. *[Директор:] Тушунаман, ҳаммамиз ҳам ёшликда ўт-олов бўлганмиз, кўзимизга фил ҳам чумолича кўринмаган.* «Ёшлик».

ЧУМЧУҚ Кўпинча хонадонларга яқин жойларда яшайдиган, ҳашарот ва дон билан озиқланадиган кичкина қуш. *Чумчуқдан қўрққан тариқ экмас.* Мақол. ▬ *Чумчуқлар чирқиллайди — Шом бўлганга ўхшайди.* «Қўшиқлар». *Ёмғир ёғаётганда шодон шовуллаган тарнов ҳам, бўғотдаги чумчуқлар ҳам бир нимадан чўчигандай овозсиз қотди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Чумчуқ пир этса, юраги шир этади Салга қўрқадиган, чўчийдиган, қўрқоқ одам ҳақида.

ЧУМЧУҚКЎЗ Меваси жингалак туклар билан қопланган, бир йиллик доривор ўсимлик. *Қийма навбаҳорда илк кўкариб чиққан отқулоқ, чумчуққўз каби доривор гиёҳлардан тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Унда митти-митти чумчуққўздан тортиб қўнғир қўзигуллару оқсариқ бойчечаклар ҳам очилиб ётарди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЧУН [*ф.* چون — қандай? нимага? айнан, худди; чунки] Худди, айнан, -дек, ўхшаб. *Кетиб тандин мадорим, гул юзим чун заъфарон ўлди.* Ҳамза. *Кампир бир кун зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб.. мени бисёр тангликка солди.* Ғайратий, Довдираш.

ЧУНКИ [*ф.* چونکه — чунки, зероки] *сабаб боғл.* Бош гап билан эргаш гапнинг сабабий боғланишини кўрсатади; «негаки», «сабаб шуки», «зероки» маъноларини билдиради. *Чақимчилик ёмон иллатдир, чунки у туфайли одамлар ўртаси бузилади.* Газетадан. *Айниқса, стронций-90 хатарли, чунки у атом портлашларида ҳосил бўлади.* «Фан ва турмуш». *Янги сўзлар жуда кўп чиқди, чунки халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бой.* Газетадан.

ЧУНОН [*ф.* چنان — шундай; шундай қилиб, шунчалик] *рвш.* Шунча, шундай, шу қадар, роса. *Чунон ҳаракат қилди. Чунон уринса ҳам бўлмади.* ▬ *Одамлар-чи тўпланди шу он Фарёдига қилолмай тоқат. Бир қамишни йиғлатиб чунон, Сўнг ўзлари қилдилар роҳат.* А. Орипов. *Хонадонга шоду хуррамлик тўлиб-тошган чунон.* Ҳабибий.

ЧУНОНАМ [*асли* чунон ҳам] *с.т.* Чунон ҳам, чунон. *Рўзиевнинг чунонам жаҳли чиқдики, асти қўяверинг.* «Ёшлик». *[Бузоқ] Ғазаб билан мўраганча, думини ходa қилиб, чунонам югурди!* «Шарқ юлдузи».

ЧУНОНЧИ [*ф.* چنانچه — шундайки, шунчаликки, зеро] Яъни, масалан; жумладан. *У кўп тилни, чунончи, рус, инглиз, араб тилларини ўрганган.* ▬ *Соч касалликлари*

бир неча хил. Чунончи, сочнинг тугунсимон касаллиги халқ орасида «сув сиркаси» деб аталади. «Фан ва турмуш».

ЧУРВАҚА Майда-чуйда, ёш болалар. *[Чори ота:] Ёнимда ейман, ичаман, деб тишини қайраб турган беш-ўнта чурвақам йўқ.* С. Нуров, Нарвон.

ЧУРР *тақл. с.* Ҳуштак овозига ўхшаш товушларни ифодалайди. *Қоровул бинодан югуриб чиқиб, «чурр» этиб ҳуштагини чалди.* «Ёшлик».

ЧУРРА Ички аъзолардан бирининг ёки улар бир қисмининг, мас., ичакнинг осилиб, бирор бўшлиққа ички қорин пардаси билан туртиб чиқиб қолишидан иборат касаллик; дабба. *Чурра умуртқалараро дискдан чиқадиган бўлса, бел ва оёқларга оғриқ беради, ҳаракат чекланади.* «ЎзМЭ».

Чурраси тушмоқ 1) чурра касаллигига йўлиқмоқ. *Орқадан қудасининг «ҳуҳ», «ҳуҳ» дея кетмон уриб, лой ағдаришини эшитганида, кўзидан ёш сирқиб чиқди: Чурраси тушиб қолмаса эди.* А. Мухтор, Кумуш тола; 2) катта чиқим қилмоқ. *Тўйнинг ўзи бўладими, унча-мунчанинг чуррасини туширади.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

ЧУРРАК I Ўрдакдан кичикроқ, ов қилинадиган ёввойи қуш. *Кун чиққунча ов қилди, шундай олғир қушлар ақалли бир чурракни олмади.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧУРРАК II: **чуррак нон** *с.т.* Кавказ халқларининг тўртбурчак шаклли тарам-тарам миллий нони.

ЧУРУК *с.т.* Эски, жулдур, чириб кетган. *Чурук тўн. Чурук маҳси.* ▬ *Чуруқ кўрпача ташланган сандиқ, палос — уйнинг бор жиҳози шу.* «Ёшлик». *Чурук костюм кийиб олган киши айниқса хириллаб кўп гапирарди.* «Шарқ юлдузи».

ЧУРУЛЛАМОҚ «Чурр» этган овоз чиқармоқ (ҳуштак ҳақида). *Узоқда ҳуштак чуруллади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧУРҚ: чурқ этмади Овоз чиқармади; оғиз очиб, бирор нарса демади, индамади. *Йўлда Яхшибоев анчагача чурқ этмади.* М. М. Дўст, Лолазор. *Амакиси унча-мунчага чурқ этмайди, камгап.* «Ёшлик».

Чурқ этган товуш йўқ Ҳеч қандай товуш эшитилмайди, жимжит.

ЧУЧВАРА Ичига қийма солиб тугилган, мантидан кўра кичикроқ хамир овқат. *Кўк чучвара. Қовурма чучвара.* ▬ *Чучвара жаҳон пазандалигида кенг тарқалган таом ҳисобланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Вафо атторнинг келини бир лаган чучвара чиқарди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштала.

Чучварани хом санамоқ Йўқ ёки амалга ошмайдиган нарсага ишонмоқ; хом ўйламоқ, хомхаёл қилмоқ. *Сен чучварани хом санаб юрибсан, ука, дўст билан душманни ажратолмайсан.* И. Раҳим, Ихлос.

ЧУЧВАРАХОНА Чучвара пишириб, хўрандаларга хизмат қиладиган махсус ошхона.

ЧУЧИМОҚ 1 Ширин тортмоқ, ширин бўлмоқ. *Ҳолва деган билан оғиз чучимайди.* Мақол. ▬ *Қисқаси, ҳозир ширин гапирган билан оғиз чучимайди, бу қуруқ гап бўлади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Қизиб, доғ бўлиб тозаланмоқ. *Энди отни совитмоққа киришди: тузни сувга ивитиб, отни ювди.. зиғир мойини чучитиб, ичига ишқор солиб ювди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ЧУЧИТИЛМОҚ Чучитмоқ фл. мажҳ. н. *Чучитилган мой ва қовурилган гўштнинг мазали ҳиди димоғларга урилди.* Ойбек, Навоий. *Қўшни ҳовлидан чучитилган жувоз мойининг иси келди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Чучитилган сув Махсус йўл билан шўри кетказилган денгиз суви.

ЧУЧКИРМОҚ *айн.* **акса урмоқ** *қ.* **акса.** *Илгари Аҳмадали устма-уста чучкирса, «ғўза гуллаяпти», деб башорат қилар.. эди.* «Ёшлик».

ЧУЧМАЛ 1 Тузи ёки шираси меъёридан кам, маза-матраси йўқ; бадхўр, тотсиз, бемаза. *Чучмал овқат.* ▬ *[Нусратбек] Амунинг қизғиш-лойқа сувини эслатувчи чучмал қаҳвадан тотиб кўрди-ю, ичмади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *кўчма салб.* Тайинли бир маъноси йўқ; бетайин, ноаниқ, дудмол. *Чучмал жавоб. Чучмал гап.* ▬ *-Шунинг учун ер юзида чучмал одам кўп-да, — деди йигит бармоқларини асабий ўйнатиб.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Рухсат айланг, о буюк зот, тиз чўкай сизга, Ҳар хил чучмал тавозедан йироқман гарчанд.* А. Орипов, Йиллар армони. *Дастёр йигит чучмалгина ишшайиб, аравасини шийпон томон суриб кетди.* «Ёшлик.

ЧУЧМАЛЛАШМОҚ Бачканалашмоқ, бачкана бўлмоқ; дудмоллашмоқ. *-Бир аёл бор*

экан, — деди Баширжон чучмалланиб.. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЧУЧМЎМА Эрта баҳорда очиладиган бинафшаранг, чочоқ гулли ўтсимон ўсимлик ва унинг гули. *Ёнбағирларда худди биров атайлаб сафсар сиёҳ тўкиб юборгандек, чучмўмалар шамолда силкинади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Қизғалдоғу чучмўмалар билан қопланган ариқ уватига беҳол чўкдим.* А. Кўчимов, Ҳамза.

ЧУЧУК 1 Аччиқ эмас, нордон эмас; ширин. *Чучук олма. Чучук анор.* ▬ *Чучук қалампир асосий дармондориларнинг манбаи бўлиб.. айниқса, С дармондорига жуда бойдир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Лимонли шарбатлар, чучук чойлар.. ўзининг ижобий натижасини кўрсатмасдан қўймайди.* Газетадан.

Чучук сув Таъми яхши, ичимли сув (дарё, булоқ ва ш. к. суви ҳақида). *Чучук сувни соғиниш туйғуси ҳали менга таниш эмас, лекин шу дақиқадан уни мен сеза бошладим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *кўчма* Кишига озор бермайдиган; ёқимли, кўнгилли, ширин. *Бир аччиқнинг бир чучуги бор.* Мақол. ▬ *Бир оғиз чучук сўз одамнинг кўнглини қанчалар кўтаради!* Газетадан. *Мени Юлдуз пари дейди, Тилим бордир болдан чучук.* «Нурали».

3 *кўчма* Айрим товушларни (мас., «р» ни) тўла айта олмайдиган. *Тили чучук бола.* ▬ *-Насимжон Файзуллаев, — деди чучук тил билан секретарь ва гилам четига омонатгина ўлтириб, сўзини давом эттирди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЧУЧУКЛИК 1 Чучук эканлик. *Олманинг чучуклиги. Тилнинг чучуклиги.*

2 Ширинлик, қанд-қурс. *Чучукликка ўч одам. Чучуклик билан чой ичмоқ.*

ЧУЧУКМИЯ *айн.* **ширинмия.**

ЧУЧУКТОМОҚ *айн.* **ширинтомоқ.**

ЧУЧУТ: чучут отмоқ Сайрамоқ (бедана ҳақида). *Наврузий беданаларнинг пайдарпай сайрашлари кўклам келишига «Хушвақт, хушвақт» деб чучут отади.* Ғ. Ғулом, Ёдгор

ЧУШКИРМОҚ *шв.* Акса урмоқ, аксирмоқ. *Билинар-билинмас чушкирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧУҚУЛАМОҚ Ўйиб, ковлаб, чуқур(ча) ҳосил қилмоқ; чуқурламоқ. *Эркиндан садо чиқмас, у бошини эгиб, қумни чуқулаб ўтирар эди.* Газетадан.

Ер чуқулаб ўтирмоқ *кам қўлл. айн.* **ер чизиб қолмоқ** (*ёки* **ўтирмоқ**) *қ.* **чизмоқ.** *Валижон.. бошини қуйи солганча, ер чуқулаб ўтирарди.* О. Ёқубов, Ларза.

ЧУҚУР 1 *от* Қазилган, ўйилган ёки табиий чуқурлик, ўйиқ; ўра. *Бировга чуқур қазисанг, ўзинг йиқиласан.* Мақол. ▬ *Бу ахлатларни тезда шупуриб, бир чуқурга тўкиб, устидан тупроқ тортиб..* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Кўчат келтириб, чуқурга қўяман, танасидан тутиб тураман, Яхшибоев ўртасига тупроқ тортади.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *сфт.* Сатҳдан анча паст; чўнқир, теран. *Чуқур дарё. Чуқур ҳовуз. Чуқур жарлик.* ▬ *Бинонинг ранги униқиб кетган, кўҳна ёғоч дарвозаси олдидан чуқур ариқ оқарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Елкамнинг чуқури кўрсин «Бирор жойга ҳеч қачон қадам босмайман» деган маънода айтиладиган ибора. *-Шу магазинни елкамнинг чуқури кўрсин, — деб жаҳл билан чиқиб кетди [қиз].* «Ёшлик».

3 *рвш.* Ичдан, ўпкадан тўлиб-тошиб чиққан ёки ўпкани тўлдирувчи. *Қудрат «тушимми, ўнгимми?!» деб чуқур хўрсинди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Нигора чуқур нафас олди.* «Шарқ юлдузи». *Яхшибоев чуқур тин олди.* М. М. Дўст, Лолазор.

4 *сфт. кўчма* Ҳар томонлама кенг, асосли, атрофли, теран. *Чуқур маъно. Чуқур илмий текширишлар.* ▬ *Олимнинг бу йилларда эълон қилган мақолалари чуқур таҳлилга эга эканлиги билан ажралиб туради.* «ЎТА».

5 *сфт. кўчма* Кучли; беҳад катта. *Чуқур қайғу. Чуқур сукунат.* ▬ *Онанинг кўнглига чуқур ғашлик чўккан.* «Саодат». *Тайёрланаётган таомларнинг сифатидан ишчилар чуқур қониқиш ҳосил этишяпти.* Газетадан.

6 *рвш.* Юзадан ичкарига, ич-ичига. *Чуқур ботаверди юракка ханжар.* Х. Даврон.

7 *рвш.* Мустаҳкам, қаттиқ. *Ҳалима Носированинг беқиёс санъати, табиий ва бетакрор овози халқимиз қалбидан чуқур жой олди.* «Саодат».

ЧУҚУРЛАМОҚ Чуқур қилмоқ, чуқур ковламоқ. *Ўрани чуқурламоқ. Зовурни чуқурламоқ.*

ЧУҚУРЛАШМОҚ 1 Чуқур бўлмоқ, чуқур тортмоқ. *[Қариянинг] Сийрак қошлари бир-икки паст-баланд бўлди, пешонасидаги толим-толим ажинлари чуқурлашди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Кенгаймоқ, теранлашмоқ. *Муҳаббати чуқурлашди. Билими анча чуқурлашди.* ▬ *«Машраб», «Муштум» кулги мажмуаларимиз ҳажвияда унча чуқурлашолмайдилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

3 *кўчма* Жиддийлашмоқ, зўраймоқ. *Муаммо чуқурлашди.* ▬ *Марҳумнинг шахси аниқланиб, маълумотлар бирин-кетин кўпайган сари, масала янада чуқурлашиб, калаванинг учи кўринай демасди.* «Ёшлик».

ЧУҚУРЛИК 1 Чуқур жой; ўра, чоҳ. *У [Султон тандирчи] битта-битта қадам ташлаб юради. Чуқурликлар, камарчалар олдида тўхтайди.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Чуқур эканлик, теранлик. *Уйғуннинг воқеавий шеърларида лиризмнинг, субъектив асоснинг чуқурлиги, эпик психологизмнинг кучлилиги ҳам шундандир.* «ЎТА».

ЧУҚУРЧА Кичкина, пастак чуқур. *Бильярд чуқурчаси. Юз чуқурчаси.* ▬ *Девор остидаги чуқурчада қон кўпикланиб турар.. эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧУҒЗ [*ф.* چغد / چغذ – бойқуш] *эск. кт. айн.* **бойқуш.** *Уфқи хонадонингда кулсин ҳар замон хуршиди бахт, Ҳар тараф тахти равонинг топмасин чуғз ошён.* Ғ. Ғулом. *Халқ ичида басе бўлдум афсона, Чуғз янглиғ, сўрма, жойим вайрона.* Муқимий.

ЧУҒУЛЛАМОҚ *айн.* **чуғурламоқ.**

ЧУҒУР 1 *айн.* **чувур** I. *Бир зумда эшик болалар чуғурига тўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *тақл. с.* Баъзи қушларнинг баравар сайрашидан чиқадиган қоришиқ овозларни ифодалайди. *Қушларнинг чуғурини, булоқлар жилғасининг шилдираганини эшитгандек бўларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧУҒУРЛАМОҚ 1 «Чуғур-чуғур» овоз чиқармоқ, «чуғур-чуғур» сайрамоқ. *Қушлар ошён қуриш ташвишида чуғурлайди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси

2 *айн.* **чулдирамоқ 3.** *Уч яшар бола нима эканини биласизми? Билмайсиз.. Кўчадан келганингда, тиззангга ўтирса, қўлчаси билан юзингни силаса, чуғурласа.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЧУҒУРЛАШМОҚ 1 Чуғурламоқ фл. бирг. н. *Қушлар чуғурлашмоқда.*

2 Баравар гапириб шовқин кўтармоқ. *Болалар чуғурлашди.* ▬ *-Ёмон одаммас бу, – баъзилар яна чуғурлашади.* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

ЧУҒУРЧУҚ Қора патли, гала бўлиб юрадиган, ерда ва дарахтда ҳаракатланишга мослашган, ҳашарот ва мевалар билан озиқланадиган қуш. *Ёз бўйи сон-саноқсиз ҳашаротларнинг бошига етадиган чуғурчуқ бир кунда 1230 километр учиб ўтади.* «Фан ва турмуш». *Боғларда тонг ғира-ширасида чуғурчуқ, майналарнинг нағмаси авжга минади.* С. Нуров, Нарвон.

ЧУҒУР-ЧУҒУР 1 Чуғур 2 с. такр. *Ҳовли жимжит, фақат сатҳида насибасини териб юрган мусичаларнинг қуқусию чумчуқларнинг чуғур-чуғуригина жимжитликни бузади.* «Ёшлик».

2 Қоришиқ ғовур-ғувур гап, овоз; чувур-чувур. *Тушликка чиққан аёлларнинг чуғур-чуғури..* С. Зуннунова, Олов.

3 *рвш.* Ўзаро суҳбат, гурунг. *Она-бола чуғур-чуғур қилиб, ошга дамтовоқни бостиришгач.. ҳовлига тушишди.* Газетадан.

ЧУҲ *айн.* **чув** I. *[Юсуф] Отни «чуҳ» деб ҳайдаб ўтиб кетаверди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧУҲЛАМОҚ «Чуҳ» деб отни юришга ундамоқ.

ЧЎБИР *шв. айн.* **чубур.** *Яхшибоев чўбирини тўрдаги охурга боғлаб, тумшуғига тўрва илди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Оғажон, менинг ёдимга плугдан чиққан чўбир от тушди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЧЎГИР 1 *айн.* **чўгири.**

2 *айн.* **чўкиртак.**

ЧЎГИРИ Сариқ ёки малларанг йўлли, олапўчоқ, эртапишар ширин маҳаллий қовун нави. *Чўгири тилимидек олтинранг ой оҳиста сузар эди.* «Ёшлик».

ЧЎГИРМА Хоразм ва Қорақалпоғистонда расм бўлган катта мўйна қалпоқ. *Абу Наср елкасига ямоқ тушган бўз чопонли боланинг бошидаги қўтир чўгирмасига қараб, ўйга толди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Бошида улкан чўгирма, почапўстинининг этагини ҳилпиратиб Ўтар бобо келди.* С. Сиёев, Аваз. *Иккалови ҳам чўгирма, тўн ва чориқ кийган.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ЧЎЗАЛА *шв.* Бор бўйича чўзилиб; узала. *[Бузрукхўжа] Остига чала қуриган бедадан*

тўшаб, бошига ҳам катта бир боғини қўйиб, чўзала тушиб ётиб олди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ЧЎЗИЛМОҚ Чўзмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Синов муддати раҳбарият томонидан яна бир ойга чўзилди. Йўғон чўзилар, ингичка узилар.* Мақол. ▬ *Қўллар ошга чўзилди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Бўйин чўзиб, тик турган ёки ўтирган ҳолда гавда билан юқорига ёки бирор тарафга интилмоқ. *Нариги хонада шовқин эшитилди. Яхшибоев чўзилиб қараб, кечаги «элчи»ни кўрди.* М. М. Дўст, Лолазор. *..пакана шофёр оёқ учида чўзилиб, орқа бортнинг илгагини кўтарар.. дадам бортни тутганча, унга кўмаклашарди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 Узунасига катта ҳудудни эгалламоқ, жойлашмоқ. *Бир тарафи — дашт, бир тарафи — тоғ, сойликлар ичида чилвирдай чўзилиб ётган қишлоқ экан.* М. М. Дўст, Лолазор. *Тепаликлар қишлоқ чегарасигача чўзилган экан.* Газетадан.

4 Бўйига узаймоқ, ўсмоқ. *Интизорликда бўйи чўзилиб, эси кириб, Саттор акасининг қадрига етадиган бўлиб қолади бу пичингчи пучуқ.* А. Мухтор, Кумуш тола.

5 Узоқ давом этмоқ. *Беҳаловат кеча унинг назарида анча чўзилди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *[Жарроҳ:] Олдиндан айтиб қўяй.. даволаниш муддати бир йилгача чўзилиб кетиши мумкин.* «Ёшлик».

6 Узала тушиб ётмоқ. *Арқон чўзилиб ётибди.* ▬ *Гулчеҳра ноилож уйга қайтиб келиб, ўрнига чўзилди.* «Саодат». *[Абдураҳмонбой:] Мен жиндак чўзилмасам бўлмайди, иситмам бор.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

7 Чарчаб, ҳолдан тойиб йиқилмоқ. *[Директор:] Агар мен бир кун у қилган ишни қилсам, эртасига ишга чиқолмай, чўзилиб қоламан.* «Ёшлик».

8 *кўчма* Кўп, узоқ гапирмоқ. *Нотиқ роса чўзилди.*

ЧЎЗИЛУВЧАН Яхши чўзиладиган. *Чўзилувчан толалар. Чўзилувчан модда.*

ЧЎЗИЛУВЧАНЛИК Яхши чўзилиш хусусиятига эгалик. *Модданинг чўзилувчанлиги. Толанинг чўзилувчанлигини текширмоқ.*

ЧЎЗИНЧОҚ Бўйи энига нисбатан анча узун; чўзиқ, узунчоқ. *Чўзинчоқ юз. Чўзинчоқ ҳовли. Чўзинчоқ қовоқ.* ▬ *Аёли мулзам тортиб, мунғайиб қолди. Чиройли чўзинчоқ юзида ёноқлари ёнди.* С. Нуров, Нарвон. *Гаванадан учган самолёт Чилининг чўзинчоқ харитаси бўйлаб учиб, қайсидир кўрфазни кесиб, Панамага тушди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧЎЗИҚ 1 *айн.* **чўзинчоқ.** *Чўзиқ юз. Чўзиқ стол. Чўзиқ супа.* ▬ *Каталакдеккина ҳовли экан, икки-уч уй, охирида нураб ётган чўзиқ айвон — бор-йўғи шу.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Узоқ давом этган ёки этадиган, узун, давомли (овоз, товуш, ҳайқириқ ва ш. к. ҳақида). *Чўзиқ овоз.* ▬ *Олислаб бораётган паровоз, нола чеккандек, чўзиқ гудок чалди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 *тлш.* Узоқ, давомли талаффуз этиладиган. *Чўзиқ унли. Чўзиқ бўғин.*

ЧЎЗИҚЛИК 1 Чўзиқ бўлишлик.

2 *тлш.* Талаффузнинг узунлиги, давомлилиги. *Унли товушларнинг чўзиқлиги.*

ЧЎЗМА Хамирни юпқа ёйиб, юзига пиёз, баъзан қийма солиб, ёғда пишириладиган тансиқ овқат, юпқа. *Чўзма қилмоқ.* ▬ *Бир оҳангаронликнинг тўйига келган нон, қатлама, чўзманинг ўзига тўққизта сандиқ тўлибди.* М. Алавия, Тўйларимиз ҳақида.

ЧЎЗМА-ЧАЛПАК Ёғда пиширилган юпқа хамир таомлар.

ЧЎЗМОҚ 1 Тортиб узайтирмоқ, узайтмоқ. *Резинкани чўзмоқ. Хамирни чўзмоқ.* ▬ *[Жайрона:] Полуфабрикат магазинидан музлатилган чучвара, гувалача қилиб тайёрланган котлет, ёғли хамир, чўзиб қўйилган лағмонларни опкелиб, пишириб юрган одамман.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Уриб, пачақлаб, чиғирдан ўтказиб ёки бошқа бирор йўл билан узайтирмоқ, ёймоқ. *Симни болғалаб чўзмоқ.* ▬ *Қоратой.. қизил чўғ бўлган темир парчасини болға билан гурсгурс урар, яссилар, чўзар, қайирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Бир гапни ҳадеб гапиравермоқ, гап чайнамоқ, эзмалик қилмоқ. *Отанг темирчи бўлса ҳам, гапни чўзма.* Мақол. ▬ *-Гапни чўзманг, — жеркинди Ҳақназаров..* О. Мухтор, Эгилган бош.

4 Қўлни, тана аъзоларини юқорига ёки олдинга узатмоқ, чўзилтирмоқ. *[Аваз] Қаламга қўл чўзди.* С. Сиёев, Аваз. *Тожинисо бегим нола билан кўкка чўзган қўлларини ерга*

ташлаб энгашди. «Ёшлик». *Креслога ўтириб, оёғини олдинга чўзди.* «Саодат».

5 Қўл узатиб, бирор нарсани бермоқ. *Қараса, юзлари шафтолиқоқидай бурушиқ бир кампир қандолатфурушга кумуш танга чўзиб турарди.* С. Сиёев, Аваз.

6 Узайтирмоқ (муддат, вақт ва ш.к. ҳақида). *Ўқув йилини августгача чўзмоқ.* ▬ *Ўша жойда.. элчихона ходимлари озгина койинган бўлиб, визасини чўзиб беришди.* М. М. Дўст, Лолазор.

7 Орқага судрамоқ, кечиктирмоқ, пайсалга солмоқ. *Экин кампаниясини чўзиб юборманг.* ▬ *Шошилмасликнинг иккинчи, ҳам кучли сабаби, мумкин қадар тўйни узоққа чўзиб, шу воситада Анварни соғиш.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

8 Иқтисод қилиб, тежаб-тергаб, кўпга етказмоқ. *Оз пул олса ҳам, чўзиб-чўзиб, уч кунга етказди.* ▬ *Бу маблағни у [Тўғонбек] анча чўзди.* Ойбек, Навоий.

Бўй чўзмоқ *қ.* **бўй** I **3. Кекирдак чўзмоқ** *қ.* **кекирдак.**

ЧЎЗҒИ *тлш. эск.* Унли товуш ва унинг график белгиси (араб алифбосидан фойдаланилган вақтларда). *У [Саидакбар] ҳарфларнинг чўзғиларини эгри-бугри ёзарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ЧЎЗҒИЛАМОҚ Чўзиб тортмоқ, торт-қиламоқ; чўзиб-чўзиб узайтирмоқ. *[Омонни] Кўтариб боряпман-у, нуқул қулоғимни чўзғилаб ўйнайди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧЎК: чўк тушмоқ *айн.* **чўк(ка) тушмоқ** *қ.* **чўк(ка).** *Чўк тушиб ўтирмоқ.* ▬ *Вужуди қулоққа айланиб, Юнусхон онаси сари энгашди, чўк тушди.* «Ёшлик». *[Амаки] Қўққис бандидан узилган шохдек гурсиллаб, кигиз устида чўк тушди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ЧЎКАР *айн.* **чўкарқанд.** *Чўкар қовун мағзи кўм-кўк.. Шундай шарват-қандингиз манов ёқда қолади.* М. Қўшмоқов.

ЧЎКАРҚАНД Қовуннинг ширин бир нави.

ЧЎКИК Ичига кирган, чўккан, ботган; ботиқ. *Қобилжоннинг чўкик юзидан Қони қочди, сабри қолмади.* Ҳ. Пўлат. *Муаллима опа.. чўкик кўринадиган ўйчан кўзларини болаларга тикди.* «Ёшлик».

ЧЎКИНДИ 1 Тинган суюқликнинг тагига чўккан қуйқаси, тагида тўпланиб қолган лойқа. *Агар Орол денгизининг суви қуриб, унинг сатҳидаги чўкинди тузларни қуюн учирса, бир қанча областларни метрлаб қалинликда туз қоплар экан.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

2 *геол.* Узоқ ўтмишда мавжуд бўлган, сув ҳавзаларининг тагидаги қолдиқлардан юзага келган тоғ жинслари. *Тоғ жинсларининг нураши натижасида, шунингдек, чўкинди тарзида бўлган экзоген конларда ҳам олтин учраса-да, лекин улар кўпинча саноат аҳамиятига эга бўлмайди.* «Фан ва турмуш».

ЧЎКИР *айн.* **чўкиртак.** *Оёғимни чўкир тилиб, Давлатим сағана бўлиб..* «Юсуф ва Аҳмад».

Чўкир тиш *айн.* **чўкиртак тиш** *қ.* **чўкиртак.** *[Кампирнинг] Ора-сира қолган чўкир тишлари кўриниб кетди.* «Ёшлик».

ЧЎКИРЛИК Тикан қоплаган ер, тиканзор. *Чўкирликда яланг оёқ елганда, Сўнгги пушмон наф бермайди, Юсуфжон!* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧЎКИРМОҚ 1 Тиз чўктирмоқ, чўккалатмоқ (асосан туя ҳақида). *Туяни чўкириб минмоқ.*

2 *кўчма* Ўкситмоқ, чўктирмоқ. *Ярадорман, деб кўнглингни чўкирма.* «Юсуф ва Аҳмад». *Кўнглини чўкирма мендай бувишни..* «Интизор».

ЧЎКИРТАК Чақиртиканакдай ўткир синиқ-мертик шох, илдиз, поя ва ш.к. *[Мустафо] Аввал сочилиб ётган чўкиртакларни эринмай териб ташлади..* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Бир-икки ёмғир кўрган чўкиртаклар қўнғир тус олган.* «Ёшлик».

Чўкиртак тиш Чириган, еликкан синиқ-мертик тиш.

ЧЎКИЧ Қаттиқ тошлоқ ер, муз ва ш.к. ни қазиш, ковлаш учун ишлатиладиган, учи ўткир пўлат асбоб; метин. *Чўкич урмоқ.* ▬ *Лекин фақат оёқ билан чиқмаслар тоққа, Арқон керак, чўкич керак, керак от-улов.* А. Орипов. *Биров чўкич билан заранг ерни юмшатади, тўп-тўп одам юқорига шағал ташийди.* «Ёшлик».

ЧЎКИЧЛАМОҚ 1 Чўкич билан уриб бўшатмоқ, ушатмоқ, бузмоқ, қазимоқ, ковламоқ. *Кўмир чўкичламоқ.* ▬ *Шу вақтда бир жинғилни томири билан чўкичлаб ковлай берди.* «Нурали».

2 Болғалаб ишлов бермоқ. *Олам бўйи тарқалди шиор: Қиличларни қайта чўкичлаб,*

Биз уларни оловда ушлаб, Омоч, ўроқ қилай-лик тайёр! М. Шайхзода.

ЧЎК(КА): чўк(ка) тушмоқ *айн.* **чўккаламоқ 1.** *Рустам бобо қиблага қараб чўкка тушди-да, пичирлаб, калима ўгира бошлади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Кампир уни [кийикни] эшик олдида қолдириб, ичкаридан пақир олиб чиқди-да, чўкка тушганча, пов-пов соға бошлайди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 *айн.* **тиз чўкмоқ** *қ.* **тиз** I. *Юзларингни майлига яшир, Керак эмас нозлар, имолар. Гўзалликнинг қошида ахир Чўкка тушган ҳатто худолар.* А. Орипов.

ЧЎККАЛАМОҚ 1 Оёқларни тиззадан букиб, тиз ва оёқ кафтларига таяниб ўтирмоқ, чўкка тушиб ўтирмоқ, чўкка тушмоқ. *Султон пиён гиламга чўккалаб, майин, ингичка овозда гап бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ойсара шошилмай бориб, бешик ёнига чўккалади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Зулхумор ерда чўккалаб ўтирганича, атрофга аланглади.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Бирор нарса таъсирида оёқлари букилиб, тиззаларга таяниб қолмоқ, тиз чўкмоқ. *Дадам, биров оёғидан чалиб юборгандек, чўккалаб қолди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Ўша заҳоти ойимнинг қўлидан капгир учиб кетди. Бошидаги жун рўмоли елкасига тушиб, қорга чўккалаб қолди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧЎКМА *айн.* **чўкинди 1.** *Машинасозликда мос келувчи электролитлар йўқлиги сабабли теллурнинг электролитик чўкмаси шу вақтгача қўлланмай келарди.* «Фан ва турмуш».

2 Ер сатҳининг чуқурлашиб, чўкиб қолган қисми. *Бухоро дельтасининг юзаси текис бўлса ҳам.. кичик-кичик чўкмалар кўп.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларид.

ЧЎКМОҚ 1 Тиззаламоқ, чўкка тушмоқ. *Чўк, деса, туя ҳам чўкар.* Мақол. ■ *Унинг [қудуқнинг] ёнига чўккан нортуяни эса, бора-бора қум кўмиб, улкан туятепага айлантирибди.* М. Мансуров, Ёмби.

Тиз чўкмоқ *қ.* **тиз 1**. *Мард номардга тиз чўкмас.* Мақол. ■ *..бир пешин чоғи пайкалда [Анвар] тиз чўкиб, Севаргулжон, мен сизни севаман, деди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

2 Умуман, бирор жойга ўтирмоқ. *Турди ғилай Малик муаллимнинг ёнига чўкди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ранги ўчган ўриндиққа чўкканча, барглари тўкилган намчил новдани томоша қиляпман.* «Ёшлик». *Нурали итоаткорлик билан супага чўкди.* «Шарқ юлдузи». *Ҳориганимдан ноилож тўнкага чўкдим.* «Ёшлик».

3 Сатҳ, юзадаги дастлабки вазиятига нисбатан пастламоқ; ботмоқ; ич-ичига кириб кетмоқ. *Ер сатҳининг бир хил жойлари чўкиб, бошқа жойлари кўтарилиб туради.* «Фан ва турмуш». *Алимардон унинг.. ичига чўккан кўзларига бир лаҳза тикилиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Тиниб, тагига ўтирмоқ, тинмоқ (суюқликдаги аралашма, қуйқа ва ш.к. ҳақида). *Лойқа чўкиб, сув тиниқлашибди. Намакобнинг тузи тагига чўкиб қолибди.*

5 Ғарқ бўлмоқ, ботмоқ; сувга ботиб, оқиб ҳалок бўлмоқ. *Чўкаётган чўпга ёпишар.* Мақол. ■ *[Аёл] Беихтиёр мувозанатини йўқотиб, сувга чўкди.* «Ёшлик».

6 *кўчма* Қадди, бўйи қисқариб, пастроқ, калтароқ бўлиб қолмоқ, қисқа тортмоқ. *Унинг [Баширжоннинг] бўйи бир қарич чўккандек, елкалари чиқиб, қомати олдинга энгашиб қолгандек эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Эрининг ранги докадек оқариб кетган, ўзи бир зумда чўкиб, кичкина бўлиб қолганди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Деворлар жим чўкаверади..* Х. Даврон.

7 Тепадан пастга тушиб, сатҳни қопламоқ. *Осмон юзини қоплаган қуюқ сарғиш чанг ерга чўкди.* Мирмуҳсин, Ғурбатдаги одам. *Баланд тоққа чўкар қор.* «Нурали».

8 Қопламоқ, ёйилмоқ. *Оқшом чўкди.* ■ *Тун оғиб, қоронғилик чўкди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Қишлоққа тун чўка бошлаганда, менга жиян саналмиш Зокир ишдан қайтди.* «Ёшлик».

9 *кўчма* Эгалламоқ, ўрнашмоқ (руҳий ҳолатга нисбатан). *Онанинг кўнглига чуқур ғашлик чўккан.* «Саодат». *[Яхшибоев:] Меҳр кейин келди, армонларим юрагимнинг тубига чўкди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Хотира — унутилмас, унутиб бўлмас армон. Юрак қаърига чўккан хаёл.* «ЎТА».

10 Маълум муддат давом қилмоқ. *Орага оғир жимлик чўкди.* «Ёшлик». *Суҳбат узилиб, орага сукунат чўкди.* «Саодат».

11 *кўчма* Руҳий тушкунликка тушмоқ. *Фарзандининг ўлимидан сўнг она анча чўкиб қолди.* Газетадан. *Эрининг хиёнати Фазилатни беҳад чўктириб юборди.* «Ёшлик».

12 *кўчма* Иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушмоқ; орқада қолмоқ. *У [Исмоилова] чўкиб қолган бир неча колхозни бирлаштириб, уларни кўтаришга раҳбарлик қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Кўнгли чўкмоқ *қ.* **кўнгил 1.** *-Хариш деманг, отимнинг кўнгли чўкади, — деб Авазхон отининг сағрисини силади.* «Гулшанбоғ». **Оқ туя чўкди** Биринчи, дастлабки қор ёғди.

ЧЎЛ 1 Ўсимлик жуда кам ўсадиган, доимий қуруқ ва иссиқ иқлимли, сувсиз бепоён дашт; саҳро, биёбон. *Қизилқум чўллари. Қақроқ чўл. Бойсун чўли. Тома-тома кўл бўлур, Ҳеч томмаса, чўл бўлур.* Мақол. ▬ *Поезд Малик чўли бағрини тилиб бораради.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Мен бу чўллар қўйнида туғилиб топдим камол.* А. Орипов. *Чўл шамоллари, жумладан, гармсел ҳавони қуруқлаштиради.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма кам қўлл.* Ташна, зор. *Болага чўл хотин.*

ЧЎЛИСТОН Чўл-биёбондан иборат бўлган ер, қуруқ саҳро. *Амунинг ўнг қирғоғидаги бепоён чўлистонда биридан-бири даҳшатли воқеалар юз бера бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Сенинг босган изинг бўлган гулистон, Неча душман элин қилдинг чўлистон.* «Маликаи айёр».

ЧЎЛИҚ *шв.* Кичик чўпон, чўпоннинг ёрдамчиси. *Ойчинор балоғатга етгач, уни Холиёрнинг чўлиғи севиб қолади.* «Фан ва турмуш». *Холбўта.. ўзим ана шу чўпонга чўлиқ бўлсам.. деб ўйларди.* «Ёшлик».

ЧЎЛИҚЧИ *айн.* **чўлиқ.**

ЧЎЛЛАМОҚ Сувга ташна бўлмоқ; сувсамоқ, чанқамоқ. *Чўллаб, оғзим қақраб кетди. Чўллаган ерлар. Чўллаган ғўзалар.* ▬ *Саҳрода чўллаган ғариб йўловчи Бўтана сувни ҳам шарбат деб тотар.* Уйғун.

ЧЎЛЛАНИШ Қурғоқчил иқлимли ўлкаларда экологик тизимларнинг бузилиши: табиий ўсимликлар ва ҳайвонлар тури ва миқдорининг камайиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва ш.к. *Дунёда 250 миллион киши чўлланиш жараёнидан азият чекмоқда.* Газетадан. *Минтақамизда ҳам чўлланиш давом этаяпти.* Газетадан.

ЧЎЛЛИК Чўлда яшовчи киши, чўл кишиси. *Кўпгина маданий-маиший объектлар чўлликларга хизмат қиляпти.* Газетадан.

ЧЎЛОҚ 1 Оёғи майиб; оқсоқ. *Чўлоқ киши. Чўлоқ қуш. Чўлоқ бўлсанг ҳам, нўноқ бўлма.* ▬ *Ибройим чўлоқнинг сўзларидан сўнг узунқулоқ маҳобатлар урчигани муқаррар.* М. М. Дўст, Лолазор. *[Жувоннинг эри] Чўлоқ бўлса, девор ошиб, ўғирлик қилиб бўлмагандир.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Қўли ёки оёғи йўқ; ногирон, инвалид. *Қўли чўлоқ одам.*

3 *с. т.* Оёғи синиқ, синган (стол, стул ва ш.к. ҳақида). *Чўлоқ стул.*

Чўлоқ кетмон Дастаси калта ёки синган кетмон.

ЧЎЛОҚЛАНМОҚ 1 Оқсаб юрмоқ, оқсоқланмоқ, оқсамоқ. *Тангриқул чўлоқланиб, кўзини ушлаб, бошқа сўқмоқ билан жарликдан чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Дадам чўлоқланиб югурди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Оёқ ёки қўлдан ажралиб, ногирон, инвалид бўлиб қолмоқ.

ЧЎЛОҚЛИК 1 Чўлоқ бўлишлик. *Оёқнинг чўлоқлиги. Қўлнинг чўлоқлиги. Стулнинг чўлоқлиги.*

2 Оқсоқланиб юриш, оқсоқлик. *У чўлоқланар, аммо чўлоқлик ва оғриқни жаҳл билан енгмоқчи бўлгандай, тўғри босишга тиришар, лекин зардаси бир неча қадамга етар эди, холос.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЧЎЛП *такл. с.* Нарсаларнинг сувга урилиши, бўса олиш ва ш. к. ҳаракатлардан ҳосил бўладиган товушларни билдиради. *Ҳовузда кичик балиқча «чўлп» сакраб, кумуш биқинини кўрсатди-да, сув юзида ҳалқачалар қолдириб кетди.* С. Нуров, Нарвон. *[Марат қизнинг] Қулоғининг остгинасидан чўлп этиб ўпиб қўйди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЧЎЛПИ I Аёлларнинг сочга тақиладиган ёки кўкракка тушириб юриладиган, кумуш ёки олтиндан ясалган зийнат буюми. *Шол рўмол ўраган кадхудо оналарнинг елкасида кумуш чўлпи жиринглайди.* С. Сиёев, Аваз. *Сора кампирнинг сочи учидаги чўлпилари шиқирлаб, юқорига кўтарилди.* «Ёшлик». *..кекса киши бир жуфт кумуш чўлпи билан тиллақош ўтказиб, эвазига ярим халтагина ун олди.* С. Анорбоев, Сайли.

ЧЎЛПИ II *шв.* Човлисимон саватча. *Лаққа балиқлар шу қадар кўпки, чўлпи.. сувга тиқилса бас, тўлиб чиқаверади.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ЧЎЛПИЛЛАМОҚ «Чўлп-чўлп» овоз чиқармоқ. *Тош сувга чўлпиллаб тушди.*

ЧЎЛПОН 1 (Ч — *катта*) *астр.* Ёруғ тонг юлдузи; Зуҳра, Венера. *Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўпдир, Хўбдир бариси, равшани — Чўлпон, ёзажакман.* А. Орипов.

2 *кўчма* Гўзал, чиройли, шаҳло (кўз ҳақида). *Ўйнатиб қош, дилни ўртаб, кўзи чўлпоним келур.* Уйғун. *Шу чўлпон кўзларнинг буюк ҳурмати, Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея, Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати, Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!* А. Орипов.

3 Чўлпон (хотин-қизлар исми).

ЧЎЛП-ЧЎЛП Чўлп с. такр. *Онам мени бағрига босиб, юз-кўзим демай, чўлп-чўлп ўпа бошлади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧЎЛТОҚ 1 Юлинган, кесилган, калта, тўмтоқ. *Чўлтоқ дум.* ▬ *[Нормат:] Шариф отолмайди — қўли чўлтоқ.* «Ёшлик». *Чўпон бола яйловда зерикиб ўтирганида, урушда кўрганларини чўлтоқ қалам билан бир парча қоғозга тушира бошлайди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *кўчма* Нотўла, юмалоқ-ёстиқ, тўмтоқ. *Чўлтоқ жавоб. Иншони чўлтоқ қилиб қўйибсиз. Жавоб чўлтоқ бўлиб қолди.*

ЧЎЛЯЛПИЗ Ёввойи ялпиз, кийикўтлар туркумига мансуб бир йиллик ўт.

ЧЎЛҚУВАР Чўлни ўзлаштирувчи, қўриқ ерларни экиб обод қилувчи. *Чўлқуварларнинг фарзандлари ҳам яхши мактабларда ўқиши керак.* Газетадан.

ЧЎМИЛМОҚ 1 Чиниқиш, даволаниш мақсадида ёки иссиқдан дарё, ҳовуз ва ш. к. сувига тушиб сузиб юрмоқ. *Умид мошкичирини туширди, ундан кейин анҳорга чўмилгани жўнади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ечиниб ювинмоқ. *Душда чўмилмоқ. Ҳаммомда чўмилмоқ.* ▬ *[Фотима:] Кечқурун Рашид абзининг мўрчасига борамиз.. Сизам юринг. Маза қилиб чўмилиб келамиз.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 *кўчма* Кўмилмоқ, чўммоқ, ботмоқ. *Океан ҳам нур қўйнида чўмиларди.* «Ёшлик» *Шабнамга чўмилиб, кўз очар дунё.* Газетадан.

ЧЎМИЧ Суюқ овқатни шопириш ва сузиш учун ишлатиладиган, узун дастали рўзғор асбоби; ёғлоғи. *Ёғоч чўмич. Сирланган чўмич. Қозонда бўлса, чўмичга чиқар.* Мақол. *Туяни чўмич билан суғориб бўлмас.* Мақол. ▬ *..қозонда сут қайнаган, сут чўмичда шопирилган, чўмичга қасмоқ ҳиди уннаган.* М. М. Дўст, Лолазор.

Чўмичда қоқмоқ Бировнинг ҳақини, тегишини қоқиб, уриб қолмоқ. *-Ҳатто энг олийжаноб мақсадлар бўлганда ҳам, — дейди Юсупов, — оддий одамларни чўмичда қоқмаслик керак.* Газетадан.

2 Бирор идишдан сув олиш учун ишлатиладиган, дастаси калта, ёғоч, металл ёки пластмассадан қилинган рўзғор асбоби. *Саид сув тўла чўмични узатаётганда, бир қултум сув отасининг сонига тўкилиб кетди.* «Ёшлик».

Экскаватор чўмичи Экскаваторнинг қум, тупроқ оладиган қисми; ковш.

ЧЎМИЧЛАМОҚ Чўмич билан сузмоқ ёки ўлчамоқ. *Хўрандалар сотувчининг атрофини ўраб, ерга чўққайиб ўтирибдилар. Ошпазлар [овқатни] чўмичлаб сузиб бериб турибди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Хотин-халаж даладан чиқиб, ўчоқбошидаги катта флягадан чўмичлаб сув ича бошлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЧЎММОҚ 1 Суюқликка, сувга ёки юмшоқ нарсага ботмоқ, чўкмоқ, кўмилмоқ. *Сувга чўммоқ.* ▬ *Саодат.. ич кўйлагига бир оз атир сепиб олгач, оқ чойшаблар орасига кириб, парёстиққа чўмди.* И. Раҳим, Ихлос. *Бир кун томчи бўлиб, абадият Денгизига чўмиб кетаман.* Уйғун.

2 *кўчма* Берилмоқ, кўмилмоқ, ботмоқ. *Хаёлга чўммоқ.* ▬ *Мунчоқ кўзларингни тикиб турардинг, Чўмсам хаёлларга гоҳо, каклигим.* А. Орипов. *Хаёлга чўмган кишига олдидаги ҳақиқатдан йироқларда бўлган хаёлий ҳур-ғилмонлар ортиқча лаззатликдир.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

3 Юзага келмоқ; қарор топмоқ; чўкмоқ. *Ёдгор жиддий сукунат чўмган залга қараб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 *кўчма* Кўмилмоқ, қопланмоқ. *Қийғос гулга чўмар ҳар битта оғоч.* «Саодат». *Аброр ой нурларига чўмган саҳродан қайтаётиб, ўзини худди.. ой сатҳида кетаётган одамдек ҳис этди.* О. Мухтор, Эгилган бош.

ЧЎНГ [*хит.*] *шв.* Катта, улкан; зўр; кучли. *Чўнг харсанг. Чўнг гавдали. Чўнг дарё.* ▬ *[Яхшибоев] Сездики, Қўзибойнинг дардлари чўнг.* М. М. Дўст, Лолазор. *У киши чўнг бувам бўладилар-да!* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар. *Билаги чўнг баҳодир ночор қолган шоҳни опичлаганча, хатарсиз жойга еткизади.* А. Дилмуродов, Фано даштидаги қуш. *Нақадар*

сулувсан, нақадар инжу, Эй, сен шимол юртин чўнг ўрмонлари. А. Орипов.

ЧЎНТАК 1 Кийимнинг пул ва б. зарур енгил нарсалар олиб юриш учун тикилган сиртқи ёки ички халтачаси; кисса. *Ён чўнтак. Устки чўнтак. Соат чўнтак.* ▬ *Бирор жойда топилса ногоҳ гавҳар донаси, Чўнтаги тешик ҳар ким даъво қилган ҳамиша.* А. Орипов.

Чўнтагидан тушиб қолган *с.т.* Бировлардан қолиб кетган; сийқаси чиққан. *Қачонлардир Ғарбнинг чўнтагидан тушиб қолган одатларни «янгитдан» урф қилишимизга ҳожат йўқ.* Газетадан. **Чўнтак дафтар** Ёнда олиб юриладиган, зарур маълумотлар ёзиб бориладиган кичик дафтарча; ён дафтар. *Элмурод Ойимхон ва Гулсум тўғрисида гапирганда, Алексей Иванович бу номларни чўнтак дафтарига ёзиб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма с. т.* Кимсага тегишли маблағ, пул. *Ўз чўнтагидан сарф қилмоқ. Бировнинг чўнтагига тушмоқ.* ▬ *Соябон дегани ҳам қиммат матоҳ экан. Чўнтак кўтармади.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари. *Чўнтак чатоқ. Чўнтак қачон Қайта қурар ўзини?* О. Матжон.

ЧЎНҚАЙМА Ўзбекча курашда қўлланадиган усуллардан бири. *Чўнқайма – энг нозик санъат.* ▬ *Борди-ю, полвон чўнқаймани эплай олмаса, ўзи мағлуб бўлади.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Бўри полвон Ўтан полвонни чўнқаймага олиб урди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЧЎНҚАЙМОҚ 1 Оёқларни тиззадан букиб ва икки оёқ панжасига таяниб ўтирмоқ. *Кумушбиби ариқ бўйидаги бир ўринни кўзлади-да, сакраб, нариги юзига ўтди ва чўнқайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Орқа оёқларини букиб ўтирмоқ (ҳайвонлар ҳақида).

ЧЎНҚИР 1 *с.т.* Чуқур, теран. *Чўнқир ҳовуз.*

2 Чуқурлик; ўра. *Полк йўлга шай, саросима йўқ эди, Шунда Али чиқиб келди чўнқирдан.* А. Мухтор.

ЧЎП [*ф.* چوب – дарахт, ёғоч; хода; ҳасса] **1** Новда, шох бўлаги; ингичка, узун тараша, ёғоч парчаси. *Ота узун чўп билан шиша тубини ковлаштира туриб, саволомуз тикилди.* «Ёшлик». *Даврон тоға яктаги ёқасидан зирк дарахти чўпидан йўнилган тишковлагични олиб.. тиш ковлашга тушди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Бирор мақсад учун махсус тайёрланган таёқ(ча). *Ноғора чўп. Лангар чўп. Гугурт чўпи.* ▬ *[Ноғорачи] Ноғора чўпи билан ноғорани эмас, худди ўзига ўхшаш бир йигитнинг қалбини савалаганини билмай қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Молга овқат бўладиган қуруқ ўт, хасхашак (беда, пичан ва ш. к.). *Уй эгаси Муқимийни ётқизиб, дарғанинг отига яна пича чўп солгач, кўча эшикни тамбалаб, оёқ учида ичкарига кириб кетди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

4 Ўсимлик, гиёҳ. *Норинда сув бор экан, Чўллар сувга зор экан. Чўп битмаган биёбон, Сув келса, гулзор экан.* «Қўшиқлар». *Мен бу кун дўстларимга афсус-надомат билан Ерга чўп қадамаган амирлардан сўйлайман.* А. Орипов.

Арининг инига чўп суқмоқ Тинч ҳолатни бузиб, ўзига зарар қилмоқ. *Охир-оқибат, занғарнинг қилиб юрган ишини қаранг. Арининг инига чўп суқади-я.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Кўзига чўп солмоқ** (*ёки* **ташламоқ**) *қ.* **кўз. У ердаги чўпни бу ерга олиб қўймайди** Ҳеч иш қилмайди; ойимтилла. **Чўп бўлиб кетмоқ** (*ёки* **қолмоқ**) Озиб кетмоқ, ориқлаб, қилтириқ бўлиб қолмоқ. *Фазилат опанинг аҳволи оғирлашиб бораверди. Ранги сарғайиб, озиб, чўп бўлиб қолди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. **Чўп тушди** Орага совуқчилик, хиралик тушди, иш бузилди. *Ширин суҳбатга чўп тушди.* ▬ *[Ҳасанали} Отабекдаги бу ҳолларнинг сирини билгандек, муҳаббати орасига чўп бўлиб тушган кейинги уйланиши аламидан, деб қарор қилиб қўйган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Чўпдан ҳадик олмоқ** Ҳар нарсадан ҳадик олмоқ, шубҳа қилмоқ, ҳадиксирамоқ, қўрқмоқ. *[Салмонов] Хулосаларга қараб иш кўриш лозимлигини унутдими, чўпдан ҳадик олдими.. ҳар ҳолда, иш жуда сусайиб кетган эди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. **Қуй оғзидан чўп олмаган** *қ.* **қуй.**

ЧЎПИЛЛАТМОҚ «Чўлп-чўлп» овоз чиқармоқ. *У [Нигора] онасининг бўйнига осилиб, у юзидан-бу юзидан чўпиллатиб ўпа бошлади.* С. Аҳмад, Пойқадам.

ЧЎПОН Яйловда майда мол боқувчи киши. *Раимбой таёқ олиб, чўпон бўлмоқчи эмиш.* Н. Норматов, Исмоил тоға тарозиси. *[Ошно] Ҳеч кимга айтмасдан, тоғдаги чўпон танишининг ўтовида яшади.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧЎПОНЛИК Яйловда майда мол боқиш билан шуғулланиш, чўпон касби. *Шоирлик ёдимдан чиққан маҳали Чўпонлик йилларим тушар эсимга.* А. Орипов.

ЧЎПОН-ЧЎЛИҚ Чўпон ва чўлиқлар. *Брезент капа остида беш-ўн чоғли чўпон-чўлиқ қўйларнинг жунини қирқишаётган эди.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар.

ЧЎПСА *махс.* Тайёр ип ёки ипак тутамлари ўраладиган, узунлиги бир метргача бўлган силлиқ таёқ. *Дадаси ярим чоракли қозонда пилла қайнатар, ёғоч чўпса билан ипак учини илинтириб олиб, калава қилаётган бўларди.* С. Анорбоев, Сайли. *Дераза тагидаги бошқаси чўпсага ипак ўрамоқда.* С. Анорбоев, Сайли.

ЧЎПХИНА Ёввойи хина; хинадошларга мансуб бир йиллик бегона ўт.

ЧЎПЧАК I **1** Топишмоқ, жумбоқ. *Чўпчак топар ўйнамоқ.*

2 Халқ оғзаки ижодида: ҳикоя, эртак, ушук. *Нега зерикасан энди? Бир йил-ярим йил най чалиб, чўпчак айтиб бериб юраман.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЧЎПЧАК II Ёқиладиган майда қуруқ шох-шабба, хас-чўп. *Юнус ота шитирлатмасдангина чўпчак териб юрийди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЧЎПЧАКЧИ **1** Топишмоқ тўқувчи, топишмоққа уста одам.

2 Эртак айтувчи, халқ эртакларини яхши биладиган ва таъсирли қилиб айтувчи одам; эртакчи.

ЧЎРИ *тар.* **1** Қул хотин; тутқунликдаги аёл. *У қишлоқларда фақат қиз чўрилардан қирқ нафар бўлиб, уларга эгалари кўп зулм қилар эканлар.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Хизматкор хотин; оқсоч. *[Жамила:] Мен сизни ўла-ўлгунча дуо қилай, лойиқ кўрсангиз, чўрингиз бўлиб, эшигингизни супурай.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ЧЎРИЛИК Чўри бўлишлик; оқсочлик, қуллик. *[Бой:] Бу нозанин увол! [Жамила] Чўриликка эмас, бекачликка арзийди-я!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *[Фотима:] Мен сизга айтсам, муҳтожман, бу ерда чўрилик қилиб, ойига саккиз фунт оламан.* Мирмуҳсин, Нил устида ой.

ЧЎРТ *рвш.* Кескин, шарт, шартта. *Чўрт ўгирилмоқ. Чўрт кесиб гапирмоқ. Чўрт синиб тушмоқ. Чўрт жавоб.* ▬ *Улар кўчани чўрт кесиб, рўбарўдаги қўрага қараб юра бошладилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Матпанонинг эти увушиб, чўрт бурилди.* С. Сиёев, Аваз.

ЧЎРТАН: чўртан балиқ Дарё ва кўлларда яшайдиган, майда, ўткир тишли йиртқич балиқ. *[Ҳовуздаги] Зоғора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб.. гоҳ билтанглаб ўйнаб, шўнғиб кетарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЧЎРТКЕСАР Шартта гапирадиган, айтадиган. *Мен тоғамнинг ҳақгўй, талабчан, ўрни келганда чўрткесар одамлигини илгаридан билардим.* «Шарқ юлдузи».

ЧЎРТТА *кам қўлл. айн.* **чўрт**. *Гўрўғли Бадкирга тармашиб туриб, иягига бир шохлади, тиши тилини чўртта қирқиб ўтди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ЧЎТ I [*р.* счёты – пул ҳисоб-китоби; ҳисоблашни амалга ошириш мосламаси] **1** Бухгалтерияда, идораларда қўлланадиган, тўртбурчак рамкага маҳкамланган темир симларга тизилган доналарни суриб, қўшув ва айирув амаллари бажариладиган содда мослама. *Чўт қоқмоқ. Чўтга солмоқ.* ▬ *Кексагина одам дамодам шақиллатиб чўт қоқади.* Мирмуҳсин, Яширинган куч. *Бухгалтерия хонасидаги чўтларнинг шақ-шуқи, одамларнинг узуқ-юлуқ гаплари энди аниқроқ эшитиларди.* Газетадан.

2 Мўлжал, тахмин, ҳисоб. *[Ғофир:] Менинг чўтимда ҳаммаси бўлиб беш юз сўмдан ошмас эди-ку? Ёки адашдингизми экан-а, бой ота?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Чўт бермайди Фойда бермайди. *-Тракторларимиз ёмон эмас, лекин «универсаллар» бир оз чўт бермай қўйди.. – деди Икромжон.* И. Раҳим, Хислат. **Чўт эмас** Писанд эмас, ҳеч нарса, ҳеч гап эмас. *[Нурмат тоға:] Пулни-ку, тўлайсан. Сенга пул чўт эмас.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧЎТ II *шв.* Теша. *Дарахтларни чўт билан, болта билан қирқиб, ўтни ёқиб, фамил чойни дамлаб, эгарини курси қип, аслаҳасини ерга қўйди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧЎТАЛ Қимор ўйинларида ютган томондан олинадиган пул, улуш. *[Абдулқаҳҳорнинг] Қорнига ейдирган овқат учун топадирган ақчаси қиморбозлардан чўтал бўлиб қолган эди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Улуш, ҳисса. *Қўзибой чол ана шу иши учун мол эгасидан чўтал олади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЧЎТАЛЧИ Қиморда ютуқдан чўтал олувчи одам. *Қиморни бошқарадиган чўталчи ютган томондан ўн сўмга бир сўм олиб турар, баъзан чўтал пулдан ютқазганларни, қарз бериб, «кўтариб» қўяр эди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЧЎТИР 1 Чечак, қўтир ва ш.к. нинг изи қолган. *Соҳиб хунук: чечак туфайли Юзи чўтир, сўқир бир кўзи.* Уйғун, Тонг қушиғи. *Айни суҳбатда ҳозир бўлган чўтир ҳисобчи масхараомуз тиржайдики, Яхшибоев бунда бошқачароқ бир синоат борлигини пайқади.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Ғадир-будур, ўнқир-чўнқир. *Чўтир ёнғоқ.* ▬ *Чўлнинг чўтир бетида чалакамчатти ўсган янтоқлар қуриб, сарғайиб ётибди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ЧЎТКА [*р.* щётка – чўтка] **1** Нарсаларни ювиш, тозалаш учун ясси дастага тартибли қилиб маҳкамланган қил толаларидан ёки симлардан иборат буюм. *Қил чўтка. Тиш чўтка(си). Кийим чўтка(си).*

2 Соч, қош, киприкни бўяшда ишлатиладиган, кичик дастасига қилсимон толалар ўрнатилган пардоз буюми. *Шифтгача етган каттакон тошойна олдида атирупаю турли бўёқлар, қош бўяйдиган чўткадан тортиб, тирноқ оладиган асбоблар – ҳаммаси бетартиб сочилиб ётибди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Бўяш, оқлаш учун кўпинча қилдан ясаладиган асбоб; мўйқалам. *Бўёқчилик чўткаси.* ▬ *Уста қорамой, чўтка ва бошқа хил асбоблари турадиган ёғоч сандиқдан қоғозга ўроғлиқ бир нарса чиқарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ЧЎТКАЛАМОҚ Чўтка билан тозаламоқ. *Кийимларни чўткаламоқ.* ▬ *Ундан кейин [Нафиса] уйдан эрининг костюмини олиб чиқиб чўткалайди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн.

ЧЎТЛАМОҚ Мўлжалламоқ, чоғламоқ; мўлжаллаб, чоғлаб кўрмоқ. *Имкониятларни чўтлаб кўрмоқ.* ▬ *Шивир-шивирга кўра, йигитлар Латифбойни ўлгудек дўппослаш, умуман.. ўша қиз номини бошқа тутмайдиган қилиб қўйишни чўтлаган эдилар.* «Ёшлик».

ЧЎХ *кт.* Катта; кўп; жуда. *Душман бўлса, чўх савдолар солайик, Ажал етса, ўққа учиб ўлайик.* «Юнус пари». *Ёшлик – бу умрнинг бетакрор фасли, Жўшқин ва оловли, чўх гўзал чоғи.* «Ёшлик».

ЧЎЧАНГЛАМОҚ *шв.* **1** Чўчиб, қўрқиб қочмоқ, сакрамоқ. *Сигир чўчанглади.*

2 *салб.* Бирдан асабийлашиб кетмоқ; асабий ҳолда аччиқ гаплар айтмоқ. *Искандарнинг гапини ҳеч бир оғир олмайдиган одам ўша куни чўчанглаб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧЎЧИМОҚ 1 Бехос ташқи ёки ички таъсирдан сакраб, сапчиб тушмоқ, сесканмоқ. *Чўчиб уйғонмоқ.* ▬ *Пешайвонда баногоҳ телефон жиринглаб, [Искандар] чўчиб тушди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ориққина бир бола машина товушидан чўчиб, йўл четига чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *[Яхшибоев] Хаёлига келган қалтис фикрдан чўчиб тушди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *кўчма* Қўрқмоқ, ҳадиксирамоқ; шубҳаланмоқ. *Қийинчиликлардан чўчимоқ.* ▬ *Гоҳо ваҳималар бағрингни тилиб, Роса чўчитади, юришмас ишинг.* А. Орипов. *[Муҳсина] Ўғли талоқ айтса, келин уйдаги лаш-лушларни талоққа қўшиб кўтариб кетишидан чўчийди, холос.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧЎЧЧАЙМОҚ Аразлаган, хафа бўлган, ҳазиллашган, ҳуштак чалган вақтда бир оз олдинга чўзилмоқ (лаб ҳаракати ҳақида). *Ойиси уни [Хуршидни] зўрға қувиб тутаркан, қиқир-қиқир кулар, лабларини чўччайтириб, аллақандай овозлар чиқарарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Вазира аразлагандек, чўччайиб қаради.* «Ёшлик».

ЧЎЧҚА 1 Гўшт ва ёғ олиш учун боқиладиган жуфт туёқли, калта оёқли, йирик сутэмизувчи уй ҳайвони. *Ёввойи чўчқа. Хонаки чўчқа.* ▬ *[Бола] Девордан ошиб қараб, хир-хир овоз чиқариб, пўчоқ титкилаётган уч-тўртта чўчқани кўрди.* «Ёшлик».

2 *сўк.* Аблаҳ, ҳайвон. *[Ишчи:] Мана, Исмат деган янги директор келди. Шу тузукми деб ўйловдик. Ғирт чўчқа экан.* «Ёшлик».

ЧЎЧҚАБОҚАР Чўчқа боқувчи.

ЧЎЧҚАЧИЛИК Чорвачиликнинг чўчқаларни урчитиш ва боқиш, улардан гўшт, ёғ, тери ва б. маҳсулотлар олиш билан шуғулланадиган соҳаси. *Бўпти, бинонинг бир томонида чўчқачилик, иккинчи тарафида корамолчилик фермасини ташкил қиламиз.* Газетадан.

ЧЎЯН [*р.* чугун < *т.* чўйан] Пўлат ҳосил қилиш ёки қуйма деталлар тайёрлаш учун ишлатиладиган, углерод билан темирдан, шунингдек, жуда оз миқдордаги бошқа

қўшилмалардан иборат қотишма (пўлатга нисбатан мўртроқ ва кам болғаланувчан бўлади). *Оқ чўян.* ▬ *Чўяндан қаттиқдир ботир бадани.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 *сфт.* Чўяндан тайёрланган, чўяндан қилинган. *Жоннинг роҳати-да бу мўрча. Чўян бандли печкани ёқишингиз билан, қозонда сув исийди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧЎҚИЛАМОҚ 1 Ҳадеб чўқийвермоқ, дам-бадам тўхтовсиз чўқимоқ, тўхтовсиз чўқиб емоқ. *Жўжалар чўқилаб дон емоқда. Қизилиштон чўқилаб дарахт тешмоқда.*

2 *кўчма* Ҳадеб уришавермоқ, бўлар-бўлмасга койийвермоқ; ҳар ёндан тинмай танбеҳ бермоқ; таламоқ. *Коллектив ўртага олиб изза қилди, бўлмади. Кейин кўпчилик уни чўқилаб, кавушини тўғрилаб қўйди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

3 *айн.* **чўқимоқ 3.** *Овқатдан бир-икки чўқилади.*

ЧЎҚИМ *нумератив с.* Сонлар билан бирга қўлланиб, асосан овқатнинг бармоқлар учи билан сиқиб олинган миқдорини билдиради. *Бир-икки чўқим ош.* ▬ *Севаргул хушлар-хушламас товоқчага бир капгир ош сузди, сўнг.. ошдан бир чўқим оғзига солди.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ЧЎҚИМОҚ 1 Тумшуқ билан илиб олиб емоқ. *Жўжалар дон чўқишмоқда. Мулла билганини ўқир, Товуқ кўрганини чўқир.* Мақол. ▬ *Патнисда тўртта кулча, икки бош қизил чиллаки ва қуш чўқиган қандайдир бир бош узум бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бир чўқиб, икки қарайди Жуда эҳтиёткор одам ҳақида.

2 Тумшуқ билан зарб бермоқ (қуш ва паррандаларга нисбатан). *Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди.* Мақол. ▬ *Бургут жонҳолатда унга [латта-путталар боғланган ходага] ташланиб, тирноқлари билан чангаллаб чўқирди. Бу — дастлабки ов — машқ эди, албатта.* «Ёшлик».

Бир чўқишда қочирмоқ Устун чиқмоқ. *Мулла Мамажон ўз даврида ялқовлик билан «Алиф лайли»даги Абутанбални бир чўқишда қочирадиган киши бўлган экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

3 *кўчма* Қўл учи билан чимдиб, озгина емоқ, еб кўрмоқ, татимоқ. *[Ҳожи ва Ҳасанали] Сўзлашмасдангина, лагандан бирмунча чўқиган бўлдилар-да, қўл артдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *кўчма с. т.* Баланд келиб, зўр чиқмоқ; қаттиқ койимоқ, уришмоқ. *Ораларида зўрзўр адвокатларни чўқиб ташлайдиган раҳбарлари бор эмиш.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЧЎҚИНДИ *дин.* Мусулмон динидан қайтиб, христиан динига кирган, чўқинган. *У [Зокиржон] ўн икки ёшида найрангбоз Азим чўқинди тўпига қўшилиб, жарчилик қилган.* М. Қодиров, Ханда ва қаҳқаҳа усталари.

ЧЎҚИНМОҚ I **1** *дин.* Қўл учини пешонасига ва икки елкасига келтириб ибодат қилмоқ, худога сиғинмоқ (христианларда); христиан динига кирмоқ. *-Ҳа, Абжал, чўқиндингми, шапкани қанчага олдинг?! — дедим.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Умуман, ибодат, сажда қилмоқ, сиғинмоқ, топинмоқ. *Бутга чўқинмоқ. Оловга чўқинмоқ.* ▬ *Баримиз ўз тилимизда чўқиниб бордик, Масковдан то Берлингача сўкиниб бордик.* М. Юсуф.

3 *кўчма салб.* Қулларча сажда қилмоқ, сиғинмоқ, топинмоқ. *Пулга чўқинадиган одам.*

ЧЎҚИНМОҚ II **Чўқимоқ 1, 3** фл. ўзл. н. *-Анови Мусулмонқул бўлмаса, бошқа Алимқул бош кўтариши аниқ! — деди қушбеги ва дастурхондан чўқиниб давом этди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўрқовоқ ичида тўллак ҳам қоқинди, чўқинди, сайраб бир нафас.* Ғ. Ғулом.

ЧЎҚИШТИРМОҚ *шв.* **1 Чўқишмоқ** фл. орт. н. *Хўрозларни чўқиштирмоқ.*

2 Май косаларини ёки қадаҳларни бирбирига тегизиб олмоқ, уриштирмоқ. *[Яхшибоев] Чўқиштириб ўтирмади, дадилроқ бўлай деб, қадаҳни олди-ю, шартта сипқарди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧЎҚМОР 1 Тўқмоқ шаклидаги қадимий уруш қуроли; гурзи, шашпар. *Асроранинг миясига биров чўқмор билан ургандай бўлди.* «Ёшлик». *..бўшроқ жойга ўтган йигитчанинг худди орқасида, деворга тиркалиб турган узун, оғир чўқморга унинг [Ғозиддиннинг] кўзи тушди.* О. Мухтор, Эгилган бош.

2 Тош кесадиган, парчалайдиган оғир тўқмоқ. *Фарҳод, қўлида теша ва чўқмори билан катта-катта тоғ тошларини қўпориб, Сирни бўға бошлади.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ЧЎҚҚАЙМОҚ 1 *айн.* **чўнқаймоқ**. *Унчамунча гапга йиғламайдиган Умид янтоқ,*

чақиртиканаклар ёнида чўққайиб ўтириб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Мирмуҳсин, Умид.

2 Диккайиб, қўққайиб чиқиб турмоқ. *Чўққайган катта тош.*

ЧЎҚҚАРА *шв.* Соққа (ёнғоқ ўйинида).

ЧЎҚҚИ 1 Тоғнинг энг баланд, юксак жойи. *Ҳисор чўққилари оқариб, шаҳар, қишлоқларга яқинлашиб келгандай туюлди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Асрий чўққилар қуёшда ялтирар ва сукут сақлар, унинг тўшидаги қорлар кўзни қамаштирарди.* «Саодат».

2 Тик нарсаларнинг энг юқори қисми. *Телерадиоминоралар чўққиси.* ▬ *Навқирон бир тераклинг чўққисида ошён, Кеч куз тонготарин салом билан олқишар.* Ғ. Ғулом.

3 *кўчма* Эришилган ёки эришилиши мумкин бўлган энг юксак даража, поғона, кўрсаткич; олий нуқта. *Камолот чўққиси. Бахт чўққиси.* ▬ *Фидокорона меҳнатсиз илм чўққиларини эгаллаб бўлмайди.* Газетадан. *Шафқатсиз дунёда шеърият ғолиблигини сезиш, унинг беқиёс қудратини ҳис этишнинг ўзи киши кайфиятини юксак чўққига кўтариб, дунёни инсон кўзига чаман қилиб кўрсатади.* «ЎТА»

Чўққи соқол 1) калта қилиб қўйилган соқол. *Вафо аттор чўққи соқолини қашлади, йўталиб олиб, бир чеккага тупурди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа; 2) шундай соқол қўйган киши. *Абдуваҳоб Шоший эллик беш ёшларда, қотма, чўққи соқол, қарашлари ўткир бир одам.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ЧЎҒ I **1** Ёниб бўлиб, алангаси сўнган ўтин, кўмир ва ш.к. *Лахча чўғ. Самоварга чўғ ташламоқ.* ▬ *Ошпаз оппоқ халатининг енгларини намойишкорона шимариб, кўрага кўмир чўғини терди.* «Ёшлик».

Чўғ устида ўтиргандек Бетоқат, бесаранжом, безовта. *Суҳбат вақтида [Султон Ҳусайн] ўзини худди чўғ устида ўтиргандек ҳис қилди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Ўзини ўтга, чўққа урмоқ** Мақсадга эришиш учун ўзини ҳар ёққа урмоқ, ҳеч нарсадан қўрқмай, тап тортмай ҳаракат қилмоқ. *Биз ёшлигимизда кўрган қаттиқчиликни шу болаларим кўрмасин, деб ўзимни ўтга ҳам урдим, чўққа ҳам урдим.* И. Ўктамов, Ҳикоялар.

2 *кўчма* Аланга, оташ, тафт; иштиёқ, завқ-шавқ. *Ишқ чўғи. Умид чўғлари. Юрак чўғи.* ▬ *Халқ кўксига чўғ солиб турадиган шеърлар бўлади.* Газетадан. *Юрагига санъат чўғи тушган қиз ўз мақсади сари интилди.* Газетадан.

ЧЎҒ II Салмоқ, чама. *Ҳосилнинг чўғи яхши. Пулнинг чўғи.* ▬ *[Нонни] Салмоқлаб кўр, чўғи оғирроғидан ол.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Чўғи қочган Миқдоран камайган, озайган. *Икки атрофда пахтасининг чўғи қочган далалар гоҳ чўп бўлиб ғўзапояси қолган, гоҳ пахтаси эгатларга оқиб тушган пайкаллар билан алмашинади.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧЎҒЛАНМА: чўғланма лампа Электр токи ўтганда, ички сими (толаси) қизиб, чўғланиб, ёрқин нур сочадиган ёруғлик манбаи. *Дастлабки чўғланма лампани 1872 йилда А.Н. Лодигин ихтиро қилган.* «ЎзМЭ».

ЧЎҒЛАНМОҚ 1 Чўғ ҳолига келмоқ, чўққа айланмоқ; чўғдек қизармоқ. *Гулхайрининг кўзлари чўғланган кўмирдек яшнаб, киприкларига тутун илашгандай бўлди.* С. Нуров, Нарвон. *[Султонов] Тинмай, босиб-босиб чекади, ҳар тортганида, аламининг зўридан папироси чўғланиб, ёниб кетгудек бўларди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кўчма* Чўғдек ёнмоқ, ярқирамоқ. *[Пайғомовнинг] Яшил кўзлари чўғланиб, юзи қоронғида гугурт чаққандек яна ҳам ял-ял ёнди.* С. Нуров, Нарвон.

ЧЎҒОЛ 1 Бақувват, тўладан келган; ғўлабур. *[Болаларнинг] Яна бир чўғолроғи «Нормат акам урушга боряпти, Гитлерни ўлдириб келади», деб бошқаларнинг гапини бўлиб қўяди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *эск.* Бақувват, кучли хизматкор. *Хоннинг раъйи сув чиқаришга тўхтади.. Барча шаҳар ва қишлоқларга саркорлар, чўғоллар тарқатди. Улар халқдан солиқ йиғиштиришга, ёрдам тўплашга буюрилган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ш

ШАБ [*ф.* شب – кеча, тун; кечаси] *кт. кам қўлл.* Сутканинг қоронғи қисми; кеч, тун, кеча. *Учинчи шаб ул сакбачча кечаги бесаранжомликни баттарроқ қилди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Бозори шаб *эск.* Рўза кунларида кечаси бўладиган бозор, тунги бозор. [*Шайхантоҳурда*] *Болалар жуда кўп, бозори шабнинг ҳар бурчида тентираб юришади.* Ойбек, Болалик. **Шаби ҳижрон** *поэт.* Айрилиқ туни, айрилиқ кечаси.

ШАБАДА Енгил, майин шамол. *Субҳидам шабадаси. Оқшом шабадаси. Баҳор шабадаси.* ▬ *Тонг чоғи, ҳаво очиқ, офтоб ҳали чиқмаган. Лекин юлдузлар кўринмайди, ёқимли шабада эсмоқда.* С. Айний, Дохунда. *Бир оздан кейин Амударё томонидан эсган салқин шабада бўғиқ ҳавони тарқатиб юборди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Кўкрагига шабада тегмоқ *айн.* **кўкрагига шамол тегмоқ** *қ.* **шамол**. *Юраги соғ одамларни кўрсангиз, кўкрагингизга шабада тегса, буткул тузалиб кетсангиз ажаб эмас.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ШАБАДАЛАМОҚ 1 Тоза, соф ҳавода бўлмоқ, тоза ҳаводан нафас олиб юрмоқ. *-Бирпас шабадаланг, райком болам, – деди чол.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *айн.* **шамолламоқ 1.** *Нега қўзғалдингиз, тўрам? Шабадалаб қолманг, яна.* И. Султон, Бургутнинг парвози.

ШАБАДАЛАТМОҚ 1 Шабадаламоқ 2 фл. орт. н. *Чақалоқни шабадалатиб қўйма.*

2 Шамол (шабада) билан ғуборини кетказмоқ; шамолламоқ. *Хоналарни тез-тез шабадалатиб туриш керак.* ▬ *Хирмонга тўкилган пахтани қабул қилиш, ёйиб шабадалатиш, қоплаш ва жўнатиш – анча машаққатли иш.* И. Раҳим, Куз лавҳалари.

ШАББОДА *поэт. айн.* **шабада**. *Шабботалар тарар сочингни. Кўзгу тутар сувлар юзингга. Манман деган барно йигитлар Бош уради босган изингга.* Уйғун. *Ва шаббода қурғур илк саҳар Олиб кетди гулнинг тотини.* Ҳ. Олимжон. *Юзларимга майинлик билан Хуш шабботанг урилди салқин.* Х. Салоҳ.

ШАБГАРД [*ф.* شبگرد – тунда айланувчи, тунги қоровул; тунги ўғри] *эск. тар.* Тунги қоровул; миршаб. *Бандиларнинг теварагини яланғоч қилич кўтарган шабгардлар ўраб олган.* С. Айний, Қуллар. *Растанинг ўртасида девордаги қозиққа осилган қора фонус хира ёнмоқда, чироқ остидаги гулхан олдида.. шабгард* [*миршаб одами*] *ётарди.* С. Айний, Дохунда.

ШАБДОР [*ф.* شبدر] Йўнғичқанинг бир тури.

ШАБИСТОН [*ф.* شبستان – кечки ётоқхона; қоп-қоронғи кеча, қоронғилик] **1** *эск.кт.* Кечки ётоқхона; ички ҳарам доираси.

2 *кўчма поэт.* Қоронғилик, зулмат ҳукмрон бўлган жой; тун. *Шабистонда хаёл сурсам, Сен осмонимда юлдузсан. На юлдузсан, ой гулюз, Шабистонимда кундузсан.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик.

Шамъи шабистон Қоронғиликни, масканни ёритувчи нур, равшан чироқ. *Ўчмагай сўнгра Муқийм шамъи шабистоним менинг.* Муқимий.

ШАБИХУН [*ф.* شبیخون – тунги ҳужум, тунги талон-торож]: **шабихун урмоқ** 1) бирор томонга қараб югурмоқ, чопмоқ; жуф-

такни ростламоқ. *Охири, чол-кампир маслаҳатлашиб.. бир кечадаёқ шабихун уриб, узоқ бир қишлоққа ғойиб бўлдик.* Ғайратий, Сабаби тириклик; 2) *эск.* кечаси қўққисдан ҳужум қилмоқ, билдирмай бостириб кирмоқ. *Юлдузларга шабихун урган Қаҳрамонга қурарлар қаср.* У. Исмоилов, Сайланма.

ШАБКЎР [*ф.* شبكور – тунда кўрмайдиган] Кечаси, қоронғи тушганда кўролмайдиган. *Шабкўр одам.* ▬ [*Узоқ вақт*] *Овқат емаслик натижасида кишининг боши айланади.. кўзлари хиралашади, ҳатто шабкўр бўлиб қолади.* Газетадан.

ШАБКЎРЛИК Қоронғиликда кўз кўриш қобилиятининг ёмонлашуви; шом ва тунда яхши кўрмаслик. *Ёш мол сут ёки емхашак орқали «А» витамини олмаса..* [*унда*] *шабкўрлик аломатлари рўй беради.* Газетадан.

ШАБЛОН I [*нем.* Schablone – андоза, намуна] **1** *тех.* Бирор нарсанинг қолипи; андоза. *Шаблон ясамоқ.* ▬ *Чигит сеялкаларини созлаш учун.. яратилган «ПС-56» шаблони республика саноати томонидан бир неча юз дона ишлаб чиқарилди.* Газетадан.

2 *кўчма* Чайналган, сийқаси чиққан нарсага кўр-кўрона эргашиш, шундай йўл; қуруқ сафсата. *Ёзувчиларни халқнинг бой, жонли тилидан фойдаланиб, ижод аҳлларини шаблондан қочиб, ижодий изланиш ва интилишга чақиради.* А. Алиев, Жулқунбой сабоғи. *Қисқаси, шаблон йўқлиги Ойбек тилининг асосий хусусиятидир.* «ЎТА».

ШАБЛОН II *сфт.* Кўр-кўрона тақлид қилишга асосланган; бир қолипдаги, сийқаси чиққан, чайналган. *Нотиқнинг шаблон нутқига хос типик элементларни топиш.. учун, таъсирдан ташқари, ўзига хос талант ҳам бўлиши керак.* «ЎТА».

ШАБЛОНЛАШМОҚ Шаблонга айланмоқ, сийқалашмоқ. *Шаблонлашган усул. Шаблонлашган ибора.* ▬ *Навоиёна ёзилган Ниёзий асарлари мақсадсиз тақлидчилик, шаблонлашган шаклбозлик юзага келтирган ғазаллардан иборат бўлмай.. реал ҳаёт, воқеликнинг шакли, талаби билан бунёд этилган бадиий асарлардир.* «ЎТА».

ШАБЛОНЧИЛИК Иш ёки ҳаракатда кўр-кўрона тақлид қилиш, сийқаси чиққан усулни қўллаш. *Шаблончиликка қарши курашмоқ.*

ШАБНАМ [*ф.* شبنم – шудринг < شب – тун + نم – ҳўл, нам; сув] Баҳорда, ёзда кечаси ҳароратнинг пасайиши туфайли майда томчилар тарзида ерга инадиган ҳаводаги, атмосферадаги буғ, намлик; ҳаводан инган мусаффо томчи; шудринг. -*Қудуқларда сув камайиб қолганда, қўйларга тонг шабнами қўнган гиёҳ шимитиб ҳам олиб юрдим, – деди Чатоқбобо.* С. Нуров, Дурдона. *Эрталабки шабнам қуёш иссиғида дарҳол кўтарилгандай, хафалик ҳам Ойқиз дилидан дарҳол кўтарилиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Отам эккан чигитлар Бирдай текис унади, Шабнам эмган ғўзалар Нур қўйнида кулади.* З. Диёр.

ШАБНАМЛАНМОҚ Шабнам билан қопланмоқ, юзига шабнам тушмоқ. *Ёқут кўзли олтин узук билан порласа Келинчакнинг хиналанган нозик бармоғи, Чанқоқ-чанқоқ термулишлар – биринчи бўса Шабнамланса себарганинг тоза япроғи.* Ғ. Ғулом.

ШАБНАМЛИ Шабнам тушган; шабнам қўнган, шабнам билан қопланган. *Бир баҳорнинг шабнамли тонги эди, Япроқ йиғлоқ киприклардай намланган.* А. Умарий.

ШАБНАМСИЗ Шабнам тушмаган; шабнам қўнмаган. *Шабнамсиз тонг. Шабнамсиз қуруқ майсалар.*

ШАБОҲАНГ [*ф.* شباهنگ] (Ш – *катта*) *астр.* Катта Ит буржидаги энг йирик ёруғ юлдуз; Сириус.

ШАБПАРАК [*ф.* شبپرک – тунда учувчи] *эск. кт. айн.* **кўршапалак**. *Кундуздан сўрадим: -Мухолифинг ким? Дедики: Шабпарак, бойўғли, бўри.* М. Шайхзода.

ШАБРАНГ [*ф.* شبرنگ – тун рангидаги] *эск.* Қора рангдаги, қора.

ШАБРОН *айн.* **шевро**. *Тагчарм, хиром, шаброн, амирконларнинг қай хилидан сўрасангиз, топилади.* «Муштум». *..эгнида янги беқасам тўн, оёғида шаброн этик, ҳаяжони юзига қалққан.* Ж. Абдуллахонов, Тошқин.

ШАБ-РЎЗ, шабу рўз [*ф.* شبوروز – кечаю кундуз] *кт. кам қўлл.* Кеча-кундуз, кеча ва кундуз, кун-тун. *Чалпак бирла ош ташиб, ўтса шабу рўзлари.* Ҳамза.

ШАБЧИРОҚ [шаб + чироқ] **1** Қоронғиликда нур сочиб турадиган афсонавий тош; чақнаб турадиган, рангдор, ярқирама тош.

2 *айн.* **шамчироқ**. *Қош-қовоқ ораси тўрт йил сақланган Умид шабчироғи порлади ғоят.* Ғ. Ғулом.

ШАБЧОР [*ф.* شب چره < شب – тун + چریدن – ўтламоқ] *қ.х.* Чорва молларини тунда ўтлатиш.

ШАВАҚИ *шв.* Шовқин-сурон кўтарувчи, бақироқ; шанғи. *Шаваҳи одам.*

ШАВВОЛ [*а.* شوّال – унча катта, кўп бўлмаган] Қамария йил ҳисобининг 29 кундан иборат ўнинчи ойи. *Ислом дини талабига кўра, худонинг бандаси бир ой рўза тутгач, рамазон ойидан сўнгги шаввол ойининг уч куни рўза ҳайити қилиши.. лозим.* Газетадан.

ШАВКАТ [*а.* شوكت – тикан; тиғ; куч, қудрат, қувват] **1** Эл-халқ ичида қозонилган катта обрў, ҳурмат; шон-шуҳрат, довруқ. *Қизини ер-кўкка ишонмаган онаси.. бу қизни катта шавкат ва дабдаба билан узатишни орзу қиларди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шавкати оламга кетиб, Бировларга қамчи чопиб..* «Ойсулув». *Қайдан келди бу шавкат, ўзғирлик, пешқадамлик.* Миртемир.

2 Салобат, виқор; савлат. *Саройнинг ўрталигида.. адрас кўрпачалар тўшалган шийпон остида.. шавкат билан парёстиққа суяниб, карвонбоши ўтирмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

3 Дабдаба, тантана, ҳашамат. *Базм бутун шавкати, бутун анъана ва одати.. билан давом этади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Шавкат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ШАВКАТЛИ 1 Катта ҳурмат ва обрўга эга бўлган; донг таратган; шонли, шуҳратли. *Менинг шавкатли кунларим ўтди, энди тунларим яқинлашмоқда..* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Дабдабали, ҳашаматли. *Шавкатли қаср.*

ШАВЛА [*ф.* شوله / شله – гуручдан тайёрланган юмшоқ ош] Гўшт, сабзи-пиёз ва гуруч солиб пишириладиган бўтқасимон овқат. *Шавла пиширмоқ. Шавлани емоқ. Арзимайди ғалваси, куйдиради шавласи.* Мақол. ▬ *Бир қўлида лаганда шавла, бир қўлида чойнак кўтариб кириб келаётган Гулчеҳра эрига ғалати қараб қўйди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

Қулоғининг тагида шавла қайнатмоқ Шапалоқ билан урмоқ, тарсаки солмоқ. *Қўшни звено бошлиғига ўғлингизни тутиб берсам, қулоғи тагида шавла қайнатиб қўярди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШАВҚ [*а.* شوق – ҳис-туйғу, эҳтирос; кучли орзу, ҳавас, истак] **1** *кт.* Кучли ҳавас, интилиш; қизиқиш, иштиёқ. *Бу ғазалда.. ёш йигитнинг ҳисси, шавқи, нашъаси янгради.* Ойбек, Навоий. *Бу тил-адабиёт муаллими таълим ва тарбия ишини севар, юрагида тобора кучайган бир шавқ билан мактабда ишлар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Шундай интилиш, қизиқиш туфайли юзага келган кўтаринки руҳий ҳолат; завқ. *Шавққа тўлиб куйламоқ.* ▬ [*Гули:*] *Ғазалким, сўзлагай ишқдин, сафодин. Ғазалдин бу каби шавқ олмаган ким?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб, ўйин айни доли-гулига келганда, майдон гумбурлаб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ШАВҚЛАНМОҚ Бирор нарсага ғоят мамнунлик ҳисси билан берилмоқ, руҳий кўтаринкилик билан қизиқмоқ; завқланмоқ. *Шавқланиб куйламоқ.* ▬ *Нодиржон Набижонович ёш дўстининг ичдан тўлқинланиб бораётганидан шавқланди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Кафтларини бир-бирига уриб, шавқланиб, ўртоғини мақтади Комила.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ШАВҚЛИ 1 Бирор нарсага ғоят берилиб ёки қизиқиб кетадиган; серзавқ. *Шавқли одам.*

2 Кишига шавқ-завқ, руҳий кўтаринкилик, шодлик, роҳат бахш этадиган; жўшқин; жозибали, завқли. *Яшил уватларда завқли қўшиқлар, Шавқли ҳангамалар бўлар кўп шинам.* Ғ. Ғулом. *Унинг назарида, бундан суюмлироқ, бундан ҳам завқ ва шавқлироқ иш йўқ эди дунёда.* Н. Фозилов, Дийдор.

ШАВҚСИЗ 1 Бирор нарсага юракдан берилиб, қизиқиб кетмайдиган; бирор нарсадан завқлана олмайдиган; лоқайд. *Шавқсиз одам.*

2 Кишига шавқ-завқ, ҳузур бағишламайдиган; завқсиз. *Шавқсиз мусиқа. Шавқсиз ҳикоя.*

ШАВҲАР [*ф.* شوهر – эр] *эск.* Хотиннинг эри; эр, рафиқ. *Инчунин ўшал хотиннинг.. шавҳари жавобгардир.* И. Акрам, Адолат.

ШАГРЕНЬ [*фр.* chagrin – *ф.* ساغری < *т.* сағри] **1** Қўй, эчки, от териларидан тайёрланган, ғадир-будур юмшоқ тери. *Шагрендан тикилган маҳси.*

2 *махс.* Муқовага ишлатиладиган қоғоз ёки коленкор.

ШАДДОД [*а.* شدّاد – кучли, қудратли; жуда ёмон (оғир); қийин; золим, қаҳрли] **1** Ўз хоҳиши, ҳукмини ўтказадиган; шафқатсиз, золим. *Болалар бахтининг юлдузларига Заҳарлар сочмоқчи қайси жаллодлар? Дунё-*

нинг равшанлик — кундузларига Зулмат қуймоқчими бебош шаддодлар? М. Шайхзода. *Иброҳим ака, гапингиз тўғрику-я, лекин Исфандиёр тўрани шаддод дейишади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Ўз фикрини ўтказишга тиришадиган; ўжар, чўрткесар; ўз фикрини қатъийлик билан, дадил айтадиган, тортинмас (асосан аёллар ҳақида). *Шаддод, гапини бировга бермайдиган, эркакшода Асрора звенога бошлиқ бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Майнанинг уддабуронлиги.. [Иван Василични] ҳайратда қолдирди: «Шаддод қиз. Оламга татийди».* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ШАДДОДЛИК Шаддод шахсга хос хислат, хатти-ҳаракат. *-Бунга мен жавоб бераман, — деди у* [*Лобархон*] *шаддодлик билан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Тожихонни, шаддодлигига қарамай, Машрабжон ёнида қизларга хос иффат чулғаб оларди.* Мирмуҳсин, Югурдак.

ШАЖАРА [*а.* شجره — дарахт; дарахт шаклида тузилган схема] Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини изчиллик билан кўрсатувчи рўйхат, тарих; силсила. *Сомонийлар шажарасининг сўнгги бутоғи бўлган подшо Нуҳ бинн Мансур касалманд одам эди.* М. Осим, Китобга ихлос. *Шажарамиз бор. Унда барча аждодларимизнинг тарихи ёзилган.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ШАЙ I Тайёр ҳолга келтирилган; тайёр, тахт. *Ҳамма нарса шай. Доим шай бўлиб турмоқ. Қуролни шай қилиб қўймоқ.* ▬ *Клубда столлар ясатиб бўлинган. Ўтиришни бошлашга ҳамма нарса шай.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Асбоб-ускуна шай бўлса, материаллар тахт бўлса, калавачи панд емайди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ШАЙ II [*а.* شىء — нарса, буюм; нимадир] *кам қўлл.* Нарса, предмет. *У* [*Раҳмонали*] *ҳикоя қилади: «Муҳаббат бир бало шайдир, гирифтор бўлмаган билмас».* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ШАЙБА [*нем.* Scheibe — лаппак; гардиш; диск] **1** *тех.* Гайка ёки винт каллаги остига қўйиладиган, ясси ҳалқа кўринишидаги деталь. *Унинг орқасидан гайка, шайба.. яна аллақандай эҳтиёт қисмлар чиқиб келаверди.* «Муштум».

2 *спрт.* Хоккей ўйинида қўлланадиган, қаттиқ қора резинадан тайёрланадиган ясси диск. *Дарвозага шайба киритмоқ. Шайбани урмоқ. Шайбани тўсиб қолмоқ.*

ШАЙДО [*ф.* شیدا — севгидан девона бўлган, ҳаддан ташқари гирифтор, мафтун] **1** Бирор кимсани ғоят даражада севиб қолган, мафтун бўлган, унинг учун ҳамма нарсадан кечишга тайёр; жўшқин ошиқ. *Шайдо бўлмоқ. Шайдо қилмоқ.* ▬ *-Парво қилма. Омон-эсон Тошкент борайлик, бировнинг суқи тушмаганидан топиб бераман. Кўрибсанки, у ҳам шайдо, сен ҳам. Мени дуо қилаверасанлар, — деди Суннат.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *-Шайдоларингиз иккита бўлиб қолибдими? — деди яна кимдир. Яна кулги кўтарилди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Гул юзи уни* [*Ғуломжонни*] *шайдо қилган ўша дамда, хирмонда Ҳаётнинг Мадаминхўжа қизи эканлигини билибмиди?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор нарсага ғоят даражада қизиқадиган, ашаддий ишқивоз. *Футбол шайдоси. Мусиқа шайдоси. Санъат шайдоси.* ▬ *Акасининг ҳар қандай янгилик шайдоси эканлиги хусусида гапира кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ШАЙДОЙИ [*ф.* شیدایی — телбаларча ошиқлик] **1** *айн.* **шайдо.** *Бир кўришдаёқ у қизга шайдойи бўлди. Хоккей шайдойилари.*

2 Бирор кимсани ғоят даражада севиш ёки бирор нарсага ниҳоятда берилиш туфайли ақл-ҳушини йўқотган; мажнуннамо, девона. *Ўзингиз ҳам бирор қизни шайдойи бўлиб севганмисиз?* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ШАЙДОЙИЛИК Шайдо эканлик, шайдо бўлишлик; шайдолик, мафтунлик.

ШАЙДОЛИК Шайдо эканлик, шайдо ҳолат. *Менинг шайдолигим бу нозпарвар дилрабодандир.* Ҳабибий. *Шайдолигимни, дилбар, инкор қилмасанг-чи.* Шўхий. *Биламан баҳорнинг эрка шамолин, Севаман тупроқнинг уйғониш чоғин, Бўсалар фаслини, ёрнинг жамолин.. Ҳай-ҳай, шайдолигим тутмасин тағин!* М. Шайхзода.

ШАЙИН [*а.* شين — нуқсон, кам-кўст] Икки учига тарози паллалари осиб қўйиладиган, унда тортиладиган нарса оғирлигини аниқлаш учун хизмат қиладиган темир ёки ёғоч мослама. *Холмат аканинг қораси кўринди. У елкасида тарозининг шайинини, лангарми, нималарнидир кўтариб, хирмон томон жадал келмоқда.* И. Раҳим, Куз лавҳа-

лари. *Тарозибон бўлмаган вақтларда шайин бошига ўтиб, юк тортиш ҳам* [*Ҳошимнинг*] *қўлидан келади.* С. Айний, Эсдаликлар.

ШАЙКА [*р.* шайка < *турк.* saika – казакларнинг катта қайиғи] Босқинчилик, ёвузлик қилиш ниятида тил бириктириб иш кўрадиган кишилар тўдаси. *Жиноятчилар шайкаси.* ▬ *Қўрқмас, ғайратли милиция раҳбари турли шайкаларга даҳшат солди.* Газетадан.

ШАЙЛАМОҚ Тайёр ҳолатга келтирмоқ, тайёр қилиб қўймоқ, тахт қилмоқ. *Отаравaларни шайламоқ.* ▬ *Тракторимни шайлаб қўйганман. Қатор ораларида қўшиқ айтиб ишламасам, армондан чиқмайман.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Одамларни механизаторлик курсларида ўқитяпмиз.. техникани кўкламга шайлаяпмиз.* Газетадан. *Халқни.. курашга шайлаш керак.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Ўзини шайламоқ Бирор иш-ҳаракатни бошлашга тайёр бўлиб турмоқ. *Сизлар ҳам белни маҳкам бойланглар, ўзларингни шайланглар.* «Равшан».

ШАЙТАНАТ [*а.* شيطنت – шайтонлик, иблислик; ярамас, шайтоний қилиқлар] **1** *дин.* Шайтонлар; шайтонлар макони.

2 *кўчма* Маккорлар, фирибгарлар тўдаси, разиллар мажмуи. *Бу мақсад йўлида бутун одамлар Шайтанат тахтини ерга қилди жо.* Ғ. Ғулом.

3 Маккорлик, фирибгарлик, шайтонлик. *Анвар ўзини табрик қилувчи уламо ва ашрафлар юзидан очиқ равишда риё, шайтанат ва тама ўқир, камбағаллардан содда самимият кўрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ШАЙТОН I [*а.* شيطان – иблис; жин, ажина] **1** *дин.* Одамларни дин йўлидан оздирувчи, уларни гуноҳга, жиноятга, разолатга бошловчи ёвуз руҳ ёки ёвуз руҳларнинг бошлиғи; иблис. *Эй улуғ шоҳ, бу йўлдан қайт, шайтон васвасасига учма, кейин пушаймон бўлиб юрма..* «Олтин бешик». *Бойни ҳам шайтон йўлдан урган.* К. Яшин, Ҳамза. *Ибодат қилмаслик умуман гуноҳ эмас, лекин ибодат қилмаган киши, шайтоннинг гапига кириб қилмагани учун, гуноҳ ҳисобланади.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш. *-Оббо, қизиталоқ. Шайтоннинг домласи экан-а! Закунчиларнинг кўпи шунақа бўлади, – деди Тантибойвачча папиросини тортиб.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Айёр, қув одам; алдамчи. *Анави магазинчи бор-ку. Ўлгудек шайтон..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 *кўчма* Шўх, ўйноқи. *Қиз бола шайтон бўлади-да, тавба, бўй-басти чўзилиб, ростдан ҳам, суқсурдек қиз бўлибди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *-Ҳа, шайтон қиз, – деди Ўринбой, – шу ерда ҳам қўймайсан-а?* Ойдин, Келин ўғил туғибди. *Бизнинг Авазга ўхшаган битта шайтонроғи «Йигирма олтинчисиотилмасин!» деб қийқиради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Ноумид – шайтон Инсон доим умид, яхши ният билан яшашини, умидсизланмасликни қайд этувчи, шунга даъват этувчи ибора. *Дийдор кўришамиз, ноумид – шайтон!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Қўйинг, ноумид – шайтон, – Ойшабону эрига таскин берган бўлди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Шайтон арава** *с.т. эск. айн.* **велосипед**. *Йиртиқ-ямоқ кийим билан ўсган ўғиллари шайтон аравада ўтиб, атроф маҳалла болаларининг кўзларини ўйнатди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Шайтон йиғиси** Ёлғондакам, йўлига бўладиган йиғи. *Озгина «шайтон йиғиси» қилмагунингча, иш ўнгланмайди.* А. Қодирий, Улоқда. *У буни «узатиладиган қизларнинг шайтон йиғиси» деб тушунди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Шайтонга ҳай бермоқ** Бирон хатти-ҳаракатдан ўзини тиймоқ, ўзини босмоқ. [*Ҳайитжон*:] *Айбмас, хўп андиша қилгин, шайтонга ҳай бергин, бу кунлар ҳам ўтар.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бир тўполон чиқазиб, обрўсини уч пул қилай дедим-у, яна шайтонга ҳай бердим.* «Муштум». **Шайтони зўр** (*ёки* **кучли**) Шўхлиги («шайтонлиги») тез ва кучли қўзғаладиган, шундай хусусиятли. *Яна ким билсин, бу қизларни! Уларнинг шайтони зўр бўлади, дейишади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Шайтони қўзимоқ** «Шайтони» қўзғамоқ, жини тутмоқ. [*Холида*] *Қўл чўзса етгудай жойда бекиниб ётган акаси билан Мунавварни кўрмади. Мунавварнинг шайтони қўзиб: -Этагидан торт!, – деди Йўлдошга.* С. Анорбоев, Меҳр.

ШАЙТОН II [*а.* شيطان] *с.т.* Дурадгорлик ва бинокорлик ишларида: сатҳнинг текислигини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб; ватерпас. *Горизонт текислигини шайтон ёрдами билан билиш мумкин.* «Астрономия». *Тахтанинг бир учини қозиққа қадаб, иккинчи учини унгур томонга қаратиб, шай-*

тон билан текисланади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАЙТОНБАЧЧА [шайтон + бач(ч)а] *сўк.* Шайтоннинг боласи, кичкина шайтон. *-Уҳ, бир фалокатдан қутулдим, ҳай, шайтонбачча, кеча берган пулинг қанча эди? — деди Ҳожи бобо Шум болага.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ШАЙТОНИЙ [*а.* شيطانى — шайтонга хос, оид] Айёр, фирибгарларга хос. *[Ҳасанали] Отабекни ечинтирар экан, ризосиз бир оҳангда деди: -Ўғлим, сизга шу шайтоний ишнинг нима зарурати бор?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШАЙТОНКОВУШ 1 Эрта баҳорда ўсиб чиқадиган кўп йиллик бошоқли ўт.

2 Шундай ўтдан кавуш тахлитида тўқиб ясаладиган болалар ўйинчоғи.

ШАЙТОНКОСА Итузумлар оиласига мансуб икки йиллик заҳарли ўт, мингдевонанинг бир тури, қора мингдевона.

ШАЙТОНЛАМОҚ 1 Тутқаноқ тутмоқ, тутқаноғи тутиб қолмоқ. *Бола шайтонлаб қолди.* ▬ *Уйимизда бир бечора бемор бор, шайтонлаб ётибди, тақсир, бориб дам солиб келинг, шояд, нафасингиздан шифо топса.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Тутқаноқ тутгандагига ўхшаш ҳаракатга тушмоқ, ўзини у ёқ-бу ёққа ташламоқ; ўйноқиламоқ. *Шайтонламай тўғри тур.* ▬ *Гоҳо-гоҳо молхонада шайтонлаб, шаталоқ отишга интилаётган бузоқни уришган Раҳмон отанинг овози келиб туради.* И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида.

ШАЙТОНЛИК 1 *айн.* **иблислик.**

2 Шайтонга хос хатти-ҳаракат, иш, қилиқ (*қ.* **шайтон 2**); айёрлик. *Директор мулоййимгина юрган йигитдан шунча шайтонлик келганидан ажабланди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Лекин келинойилари.. бу ҳолни ҳийла ва шайтонлик эканини яхши англасалар ҳам, ҳовлиқма, лақма-енгил Лутфинисо бунга чиндан ишонар.. кўз ёши қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШАЙТОНТЕРИ *с.т.* Қалин, пишиқ ип газлама. *Чидаганга чиқарган дейсизми, бурга чит дейсизми, роҳатбадан дейсизми.. шайтонтери дейсизми.. кеп қолинг, харидор!* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Машинани мойлаганда ёки техник назоратлар пайтида шайтонтеридан тикилган фартук ёки халат кийиш фойдали.* Газетадан.

ШАЙХ [*а.* شيخ — қария, кекса; уруғ, қабила бошлиғи; диний раҳбар; олим, мураббий] Ислом дини тарқалган мамлакатларда, аввало, билимдон кишиларга, сўнгра уламо ва фақиҳларга берилган ном; кейинчалик муқаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам шайх деб юритилган. *Миркарим.. дарров ўз қиёфасини ўзгартириб олди: бошига катта салла ўради, эгнига кимхоб тўн кийди ва вақтинча авлиё шайхга айланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Амирлар, шайхлар, уламолар кенгашиб.. катта қўшин билан боришга фатво берилди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Шу куни отасининг мозорига бориб, шам ёқди, қабристондаги шайхларга назр берди Малак.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

ШАЙХЛИК Шайх мақоми, лавозими. *-Шайхлик муборак, — деди Нодиров, Бобомирзага ҳазил қилиб.* И. Раҳим, Тақдир. *Миркарим Тўқсонов.. Шоҳимардонга қочди — амакисининг у ерда шайхлик қилишини билар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШАЙХУЛИСЛОМ [*а.* شيخ‌الاسلام — ислом дини шайхи; диний қонунларни шарҳловчи] *дин.* Мусулмон руҳонийлари бошлиғининг унвони, олий диний унвон ҳамда шу унвонга эга киши, бош руҳоний. *Ҳусайн Бойқаро.. шайхулисломдан шариатга доир бир масалани сўради.* Ойбек, Навоий. *Шайхулислом Исомиддин ҳазратлари ҳам шаҳзода ёнидаги чодирлардан бирида.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ШАК I [*а.* شكّ — шубҳа; ишончсизлик, ишонмаслик] Шубҳа, гумон. *-Мен билмадим, — деди* [*уста*] *ниҳоят, — шак йўқ, оғир гап.* О. Ёқубов, Ларза. *Бу андишанинг ҳақлигида шак йўқ, Анвар!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Менинг Каримовдан жуда шаким бор, бу одам бизга яхшилик соғинмайдиган кўринади.* Ҳ. Шамс. Душман.

Шак келтирмоқ Шубҳа билан қарамоқ; ишонмаслик. *Илоҳий қудратга шак келтирмоқ.* ▬ *-Шариатга шак келтирган бу аблаҳни зиндонга солмоқ зарур, — деди* [*қозикалон*] *катта салласини силкитиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Муқаддас авлиёлар ишига шак келтириш — улуғ гуноҳ.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ШАК II [*а.* شكّ] Рамазон (рўза) ойи киришидан олдинги кун; рўза арафаси. *Шак куни.* ▬ *Бир ёқдан рўза ойи ҳам юракка ғулғула солиб яқинлашмоқда эди. Пашмак*

Махдум, сўфи, яна бир неча обрўли одамларни чақириб, уларни шак куни палов билан сийлаб, рўза куни уларга оғиз очириш.. керак! М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ШАКАР [*ф.* شکر < *қад. ҳинд.* sakkhara – шағал, қум; қанд уни] **1** Лавлаги ёки шакарқамиш ўсимлигидан саноат йўли билан олинадиган оқ-сарғиш рангли қумсимон ширинлик. *Шакар сепилган қатлама. Ширин сўз шакардан ширин.* Мақол. ▬ *Ҳолва ясамоққа шакар керакдир. Безак ишламоққа заргар керакдир.* Ё. Мирзо.

2 *кўчма* Ширин, мазали, тотли. *Шакар қовун.*

3 *кўчма* Кишига ёқадиган, ёқимли. *Тили шакар қиз.* ▬ *Тополмайин юрур ёрнинг ўзини, Тўтиё қилади шакар сўзини.* «Ширин билан Шакар».

4 Шакар (хотин-қизлар исми).

Тил учида шакар бермоқ 1) тилидан сўрдирмоқ. *Кетма, ёрим, кетма, жоним берайин, Тилимни(нг) учида шакар берайин.* «Қўшиқлар»; 2) *салб.* ширин сўз билан ийдирмоқ; тилёғламалик қилиб авраmoқ, алдамоқ. *Соҳиб қори, ўз таъбири билан айтганда, илонга ҳам тилининг учида шакар берадиган киши.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Тилингга шакар** Яхши, ёқимли сўз (гап) эшитганда айтиладиган ибора. **Шакар қоп** Майин каноп матодан тикилган кичикроқ қоп, линча. [*Қудратнинг*] *Бошида моғор, эски дўппи, олдида шакар қопдан тикилган фартук.. бадани қўлидаги темирдай мустаҳкам.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Шакари оғзингизда** Савдо муносабатида: сотувчининг мол баҳосини айтиб, харидорга хитобан «сўранг, сизга қанча бўлса бўлади» мазмунида айтадиган ибораси.

ШАКАРАК I [*ф.* شکرک] Қовун турларидан бири.

ШАКАРАК II [*ф.* شکرک] Ўсимлик бити; шира.

ШАКАРАНГУР [*ф.* شکرانگور – шакардай ширин узум] Узумнинг пўсти юпқа, нимранг, карсиллайдиган ширин нави. *Овқатни еб бўлишгач, бир баркашда карсиллаган шакарангур, эчкемар ва шафтоли чиқди.* Ойбек, Улуғ йўл. *..кампир тайёрлаган дастурхон ёнига ўтириб, ҳусайни, карсиллайдиган шакарангурдан чўқилади.* Мирмуҳсин, Умид.

ШАКАРГУФТОР [*ф.* شکرگفتار – ширинсўз] *кт. кам қўлл.* Гапи-сўзи ёқимли; тили ширин, ширинсўз. *Садоқат бирла ҳар меҳнат учун тайёрлардансиз, Билимдону ширин сўзли шакаргуфторлардансиз.* Ҳабибий.

ШАКАРГУФТОРЛИК Кўнгил очадиган, ширин суҳбат, гурунг. *Шакаргуфторлик қилмоқ.* ▬ *Хушчақчақлик, одамшавандалик, шакаргуфторлик, соғлом ҳазил кишини яшартиради.* Газетадан.

ШАКАРЛАМОҚ Шакар аралаштирмоқ, шакар сепмоқ; шакар билан қориштирмоқ. *Қулупнайни шакарламоқ. Варақи сомсани шакарламоқ. Лимонни кесиб, шакарлаб қўймоқ.*

ШАКАРЛИ 1 Таркибида шакар бўлган. *Шакарли моддалар. Шакарли ўсимликлар.*

2 Шакар қўшилган, шакар сепилган. *Шакарли чой.*

ШАКАРНАЙ [*ф.* شکرنی] *айн.* **шакарқамиш.**

ШАКАРОБ [*ф.* شکرآب – ширин, шакарли сув] *шв.* Аччиқ-чучук. *Шакаробга туз сепмоқ.* ▬ *-Келин, помидор олиб чиқинг, бекор ўтирмай, шакароб қила тураман, – деди уста.* Т. Алимов, Одамсиз уйлар. *Садбархон бўлса, шакаробга пиёз тўғраётган эди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

Шакароб соя Дарахт барглари оралаб тушган парча-парча соя. *Толлардан тўкилган шакароб соя Дурра ҳам бўлолмас уйлар томига.* Ҳ. Шарипов. **Шакароб қилиб сув сепмоқ** Челакдаги сувни қўл билан сачратиб сепмоқ. *Жиккаккина самоварчи, кечки чойхўрларни кутиб олиш учун, пақирдаги сувни аягандай, чимдим-чимдим шакароб қилиб, сўрилар ёнига сепмоқда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАКАРПАЗ [*ф.* شکرپز – шакар, ширинлик пиширувчи] Пашмак, ҳолва, обаки, новвот каби миллий ширинликлар пиширувчи мутахассис; қандолатчи. *-Бобомурод шакарпаз – қўли гул одам. Жойинг жаннатда бўлгур, бултур қазо қилди, – почча қўл очиб, шакарпазнинг арвоҳига фотиҳа ўқиди.* С. Анорбоев, Меҳр.

ШАКАРПАЗЛИК 1 Шакарпаз иши, касби. *Шакарпазликда бобомнинг олдига тушадигани бўлмаган экан.* Газетадан.

2 Пашмак, новвот каби маҳаллий ширинликлар тайёрланадиган бино, цех. *Мен шакарпазликда ишлайман.*

ШАКАРПАЛАК [*ф.* + *а.* شکرفلکه — палаги ширин] Сирти сертўр, ўзи серэт ўртапишар қовун нави. *Маҳмуд яқиндаги полиздан битта шакарпалак узиб чиқиб, ерга қўйди-да, Ширмонхоннинг етиб келишини кутиб турди.* С. Зуннунова, Олов. *Шакарпалак қовунлар, зилол бодринглар қуёш нурининг, тупроқнинг ажойиб неъматлари эмасми!* Э. Охунова, Қуёш — ошпаз.

ШАКАРПОЯ [*ф.* شکرپایه — пояси ширин, ширин пояли] Шақарқамиш ўсимлигининг пояси; шакарқамиш.

ШАКАРҚАМИШ Қанд (шакар)моддали, ўтсимон кўп йиллик ўсимликлар туркуми.

ШАККОК [*а.* شکّاك — шубҳа билан қарайдиган, ишонмайдиган] **1** Ҳар нарсага шубҳа, ишончсизлик билан қарайдиган, ишонмай, иккиланиб турадиган одам. *Мавсумда 250—300 тонна пахта териб, шаккокнинг кўзига кўрсатган қаҳрамонлар битта-иккита эмас.* Газетадан.

2 Диний ақидаларга шубҳа билан қарайдиган, шак келтирадиган киши. *Ҳой мусулмонлар!.. Бу шаккок.. бедин болшевойларни думага сайлаб, исломни оёғости қилишди.* К. Яшин, Ҳамза.

ШАККОКЛИК Шаккок иши, хатти-ҳаракати; шак келтириш. -*Сизни шаккокликда айблаш учун* [*бекларда*] *ҳеч асос борми? — сўради Навоий кулиб Султонмуроддан.* Ойбек, Навоий.

Шаккоклик қилмоқ Шак келтирмоқ (*қ.* **шак** I). *Бош тортувчилар чиқиб қолгудек бўлса.. дини ислом ишига шаккоклик қилган имонсиз сифатида бошини танасидан жудо қиласиз.* Н. Сафаров, Наврўз.

ШАКЛ [*а.* شکل — кўриниш, расм; тарз, усул] **1** Нарсанинг ташқи кўриниши, сиртқи қиёфаси, ифодаси. *Учбурчак шаклидаги жисм. Айиқ шаклидаги қоя. Шаклини ўзгартирмоқ. Бирор шаклга киритмоқ.* ▬ *Дераза ойналарига турли шаклда қийиқ қоғозлар ёпиштирилган.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Дўкондор уларга қалин китоб шаклида бир нимани тутқазди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *мат.* Маълум кўриниш, қолипдаги нарса, фигура. *Геометрик шакллар.*

3 *физ.* Жисмнинг ҳолати, кўриниши. *Муз сувнинг қаттиқ шаклидир.*

4 Мазмуннинг ифода томони, ташқи кўриниши, ифодаланиши. *Бу ажойиб асар-обидада минг-минглаб ўзбек оилаларининг жасорати умумлашма шаклида ифодаланган.* Газетадан. *Янги давр қўшиқлари анъанавий шакллар.. тасвир воситаларисиз туғилиши ҳамда ёйилиши мумкин эмас эди, албатта.* «ЎТА».

5 *кўчма* Бирор нарсани амалга ошириш йўсини; усул. *Сен билан иккимиз икки шаклда ўйлаймиз.* ▬ *Пахта фронтидаги ижодий меҳнат хилма-хил шакллар касб этяпти.* Ҳ. Ғулом, Ишонч. *..адабий алоқаларимиз янги-янги шакллар билан бойиди.* Газетадан.

ШАКЛАН [*а.* شکلاً — шаклига, ташқи кўринишига кўра] Воқе бўлиш, амалга ошиш ёки ифодаланиш усулига, шаклига кўра. *Чиндан ҳам истиора шаклан энг сиқиқ формадаги ўхшатишни эслатади.* «ЎТА».

ШАКЛАНМОҚ *эск.* Шубҳа билан қарамоқ; шубҳаланмоқ. *У бу ҳолдан шакланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШАКЛДОР [*а.* + *ф.* شکلدار — шаклга эга] **1** *айн.* **шаклли.**

2 Мураккаб шаклга эга бўлган; жимжимадор, серҳашам. *Шаклдор нақш. Шаклдор пештоқ.*

ШАКЛИЙ [*а.* شکلی — шаклга доир] Муайян шаклга эга бўлган, аниқ бир шаклли; шаклан.

ШАКЛИК *дин.* Шак куни марҳумларнинг арвоҳларига бағишлаб аёллар учун ўтказиладиган кичик маърака. *Чолнинг ёстиғи тагидан топилган пул уни кўмиб келишгагина етди. Ҳали бу ёқда учи, еттиси, йигирмаси, фотиҳахонлиги, шаклиги, ифторлиги, икки ҳайити.. ва ҳоказолар бор.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ШАКЛЛАНМОҚ 1 Маълум бир шаклга кирмоқ, шакл, тус олмоқ. *Тандирда ёғлиқ хамир аста вижирлаб бўртиб, чекич ўринлари дарҳол шаклланди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Юзага келмоқ, яралмоқ. *Болада дид йиллар давомида шаклланади, ривожланади.* ▬ *Бу ердаги.. одамларнинг қиёфаси ўзгарди, янги ижтимоий муносабатлар шаклланаяпти.* Газетадан. *Шариф Ризаев матбуотда ишлай бошлаган даврларда журналистиканинг айрим жанрлари ҳали шаклланмаган эди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ШАКЛЛИ Муайян шаклга, кўринишга эга бўлган. *Унсин туморча шаклли ҳовлига намат ёзиб, курсида ўтириб, маҳси тикади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қирқма шахмат усулида ишлаш учун.. текис ва тўғри шаклли.. участкалар ажратилсин!* Газетадан.

ШАКЛ-ШАМОЙИЛ [шакл + шамойил] Ташқи кўриниш; қиёфа, важоҳат. *Шакл-шамойили девни ҳуркитадиган.. бир махлуқни шонли бир куннинг армуғони қилиб белгилашга каминангизнинг у қадар кўнгли бўлмайди.* К. Алиев, Қўланса ҳадя. *Бизгача етиб келган бу ёдгорликларнинг кўпчилиги ҳозирда ҳам шакл-шамойилини, ҳусну чиройини қарийб сақлаб, томошабинларни ҳаяжонга солиб келмоқда.* Газетадан.

ШАКСИЗ Муқаррар равишда; аниқ, шубҳасиз. *-Ҳар ким келса, бундан шод бўлиб кетар, Сил бўлса, ўпкасин яраси битар, Қари келиб кўрса, шаксиз ёш этар, Ёш йигитдек даврон сургали келдим.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ШАЛ [*а.* شلل / شلّ – фалаж; фалажланиш; шол касали] *айн.* **шол** II.

ШАЛАББО Сувда ивиб кетган, жиққа ҳўл; шилта. [*Сувонжон билан Ойсулув*] *Ўзларини панага олгунча бўлмай, шилтаю шалаббо бўлишди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Устбоши шалаббо, совқотган икки дўст секин-секин қирғоқ томон силжишди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ёмғирда шалаббо бўлган деҳқон болалари сакраб, ўйинга тушишарди.* Мирмуҳсин, Созанда.

ШАЛАЙИМ Ниҳоятда куч-мадори кетган ҳолатли; мажолсиз; шалвираган. *Нонвой ерга тушганидан кейин шалайим бўлиб, ўрнидан туролмай қолди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [*Низомжон*] *Икки тиззасида дармон қолмай, оғир калтаклардан шалайим бўлиб йиқилиб, ўрнидан турганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ШАЛВАЙМОҚ Куч-мадорсиз, ҳолсиз ҳолатга тушмоқ; бўшашмоқ, шалвирамоқ. *Қудрат почтадан негадир шалвайиб келаётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шафтолиқоқидек бурушиб, эски маҳсидек шалвайиб қолибмиз-у, бизга ким қўйипти, болам.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАЛВАР [*ф.* شلوار – иштон, шим] *с.т.* Чолвор. *Почаси бўғиқ, кўк сатин шалвари озода ва ўзига ярашган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШАЛВИЛЛАМОҚ *айн.* **шалвирамоқ.** *Ана холос! ..муовиним ҳеч нарсадан хабарсиз, шалвиллаб юраверган экан-да!* «Муштум».

ШАЛВИРАГАН 1 Шалвирамоқ фл. сфдш. *Ёстиқдошининг иягини танғиди-да, шалвираб қолган икки қўлини ёнига чўзиб қўйиб, оёқларини бир-бирига жипслаштирди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 Ишни яхши уддаламайдиган; бўшашган, уддасиз. *Мен бу шалвираган осиёликни ишга қабул қилиб, ўз мартабамга футур етказайми..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ШАЛВИРАМОҚ 1 Осилиб турмоқ, бўшашиб, солқи бўлиб қолмоқ. *Чолнинг.. кўзлари қаърига тортган, қовоқлари шалвираб осилиб тушган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *[Машинадан] Тушиб қарадим. -Баллон латтадек шалвираб қолибди, – деди Ботир.* Ў. Ҳошимов, Чўл ҳавоси. *Бутун юзи қулоқларигача кўкариб, қўллари ёнига шалвираб тушган Писмиқ ўлим тусига кириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Мажолсизланмоқ, бўшашмоқ, ланж бўлмоқ. *Иссиқдан шалвираб кетаяпман.* ▬ *У, қоронғи кечада, ёт элларда йўлдан адашиб, қаёққа боришини билмай, умидсизликка тушган кишидай шалвиради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Мирсалим турган ерида шалвираб қола берди. Унинг қимирлашга мадори йўқ эди.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

3 *кўчма* Лапашанглик қилмоқ; сусткашлик қилмоқ, имилламоқ, бўшашмоқ. *-Баракалла, ҳали ҳам шалвираб юрибсанми? – деди таъна қилиб Тошпўлат Ўтбосарга.* Ғайратий, Эпчил куёв.

ШАЛДИРАМА 1 Эгилганда, букилганда шалдирайдиган; янги. *Шоир бир тахта шалдирама қоғоз олиб, очиқ, қалин китоб устига қўйди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ўртада пул хирмондай уйилган. Оқподшонинг сурати тушган нуқул шалдирама қоғозлар-а.. Қарасам, кўзимдан олов чиқиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шалдираб оқадиган. *Тикка тоғ дуч келса ўтиб, шалдирама сой тўғри келганда кечиб.. ўз сурувини салобатли саркардадай вазминлик билан эргаштириб кетаверадиган бу кўк серка.. ўзгариб қолган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАЛДИРАМОҚ 1 Бир-бирига ёки баъзи нарсаларга урилиб, шалдир-шулдур

овоз чиқармоқ. *Боланинг қўйнидан ёнғоқлар шалдираб ерга тўкилди.* ▬ *Тўйхона бекаси шалдираб турган енгилгина бир ҳовуч маржонни унинг қўлига тутқизди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Қамишлар шалдирайди. Қаёқдандир гумбурлаган овоз эшитилди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Тўсиқларга урилиб ёки пастга шиддат билан қуйилиб, шалдир-шулдур овоз чиқармоқ. *Дарё улкан, унда сувлар шалдираб оқар. Ариқ ихчам, унинг суви шилдираб оқар.* С. Кароматов, Олтин қум.

ШАЛДИРОҚ 1 *айн.* **шалдирама**. *Асрлар гувоҳи — қўлёзма ичра Ўтмиш ҳодисалар сирли, бепоён. Шалдироқ ва сарғиш қоғозлар узра Кезар нигоҳларинг, қадалган мужгон.* Х. Расул. *Шалдироқ қоғозгамас, кўк япроқларга Кўз ёшларидай тўкар шоир шеърини.* С. Акбарий. *Унга кун, тун баробар, Жар-қирғоқ, ота уйи. Унга найдек туйилар Сувнинг шалдироқ куйи.* Қ. Муҳаммадий.

2 Бир-бирига урилганда, нарсаларга теганганда шалдирайдиган; шалдир-шалдир овозли. *Шалдироқ кишанлар ҳукмига ачинмай берарсан ёшлигинг.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ШАЛДИР-ШУЛДУР 1 Нарсаларнинг бир-бирига урилиши, сувнинг оқишида чиқадиган товушни билдиради. *Шалдир-шулдур сув оқар, Қўшиғи менга ёқар.* Ш. Саъдулла. *Шундай кунларда кечга яқин шаҳарнинг тор кўчаларидан бирига шалдир-шулдур қилиб уч арава кириб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Сир сақламайдиган, бор гапни тўкиб соладиган; дали-ғули. *Шалдир-шулдур йигит.* ▬ *Тожимат ака.. кўнглида кири йўқ, шалдир-шулдур одам эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳақиқатан ҳам бу шалдир-шулдур кекса киши ҳормас-толмаслиги билан барчага ибрат кўрсата бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Гапинг тўғри, қизим. Сен бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдур эдинг, опанг ҳам шўх, қақилдоққина эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШАЛДИР-ШУЛДУРЛИК Шалдир-шулдур шахсга хос хислат, хатти-ҳаракат. *У* [*Ҳамро Раҳимов*] *шалдир-шулдурлиги билан Моҳидилга маъқул тушди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ШАЛЛАҚИ Шарм-ҳаёни билмайдиган, бўлар-бўлмасга жанжал кўтарадиган, жанжалкаш. *Ҳанифахон.. шаллақи қайнананинг заҳрига бардош берди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Мен сизни ўғил бола деб юрсам, шаллақи хотиндан ҳам баттар экансиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАЛЛАҚИЛАРЧА Шаллақиларга хос, шаллақиларга ўхшаб. *Хадичахон ҳовлини бошига кўтариб, шаллақиларча сонига шапатилаб, бақира бошлади.* Н. Фозилов, Оқим.

ШАЛЛАҚИЛИК Шаллақи шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат, ўзини шаллақилар каби тутиш. *Пётр Кузьмич, жанжалнинг охирида шаллақилик йўлига ўтгани учун, Шавкатийнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ШАЛОЛА [*а.* شلاله — шовва, шаршара] **1** Сувнинг юқоридан тик пастликка шиддат билан қуйилиб тушадиган жойи; шундай отилиб тушаётган сув; шовва. *Юқоридан жарлик тубига отилувчи шалола шердай ўкиради.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 *шв.* Дарё, жилға сувларининг тошларга урилиб, шовуллаб оқадиган жойи. *Боғ, қўрғонлар орқада қолгач, Оқсой бўйига чиқилади. Қулоқни битирувчи шалола бошланади.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *тех.* Бир дарё оқимида жойлашган ва сув сарфи бўйича ўзаро боғлиқ бир неча гидроэлектростанциядан бири. *Бешинчи шалолани Абдусамат ака ўз колхозчилари билан қурмоқда.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ШАЛОП *тақл. с.* Катта ва оғир нарсанинг сувга, лойга тўсатдан тушишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради.

Шалоп этмоқ «Шалоп» деган товуш чиқармоқ. *Пўлат куч билан қармоқни кўтарган эди, нимадир оғир сезилиб, сўнгра шалоп этиб, сувга тушиб кетди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ШАЛОПЛАМОҚ «Шалоп-шалоп» этган овоз чиқармоқ. *Сувнинг шалоплаган овози эшитилди.* ▬ *Сув қирғоққа шалоплаб урилиб, осилиб қолган новдаларни тортқилаб оқмоқда.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бир-бирига туташиб кетган кичкина, тиниқ кўлчалар кўринди. Сув шалоплар..* С. Сиёев, Аваз.

ШАЛОҚ *с.т.* **1** Қисмлари эскириб, бўшашиб, футурдан кетган; бузуқ. *Шалоқ арава. Шалоқ машина.* ▬ *Чироқни топди, уни ёқиб, кичкина шалоқ хонтахта устига қўйди.* Ойбек, Улуғ йўл.

Шалоғи чиққан *айн.* **шалоқ 1**. *Шалоғи чиққан этик.* ▬ *-Редактор шалоғи чиқиб кетган эски «Москвич»ини берадиган, мен каллайи саҳарлаб Жарқудуққа жўнайдиган бўлдим, — деди Учқун.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

2 *кўчма* Ҳолдан тойган, чарчаган; эзилган. *Аъзойи баданим гўё биров калтаклаб ташлагандек шалоқ.* «Муштум».

3 Ахлоқи бузуқ, безори. *Шалоқ одам. Шалоқ хотин.* ▬ *-Хафа бўлманг, синглим, — юпатди мудира. — Унақа шалоқ эрнинг боридан йўғи!* С. Анорбоев, Меҳр.

4 Ахлоқ доирасидан ташқари; ахлоқсиз, уятли, бузуқ. *Боқи ака энг шалоқ сўзлар билан сўкинганча, Ҳайдарга ташланди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Бир тўда одамлар бир даста акцияни чангаллаганларича, у ёқ-бу ёққа чопишар.. бир-бирларини шалоқ гаплар билан сўкишар, овозлари бўғилгунча бақиришарди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмонов, Ҳаёт-мамот. *У болалигидан бошлаб шалоқ юришлар ҳақида кўп эшитган..* П. Қодиров, Уч илдиз.

Оғзи шалоқ Уятли, беҳаё ибораларни тилга оладиган; тап тортмай сўкинаверадиган. *Унинг оғзи шунақа шалоқ, боди кириб, шоди чиқаверади.* О. Ҳусанов, Тошга сув сепсанг. **Оғзини шалоқ қилмоқ** Шалоқ сўзларни айтмоқ, уят, беҳаё сўзлар билан сўкинмоқ. *Лекин наригиси кассадан келгандан бери оғзини шалоқ қилиб сўкингани-сўкинган.* А. Мухтор, Туғилиш.

ШАЛОҚЛИК 1 Футурдан кетганлик, шалоқ ҳолатга эгалик (*қ.* **шалоқ 1**). *Араванинг шалоқлиги.*

2 Шалоқ шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *-Мен бир неча йил аввал ота касбимнинг ҳадеганда жўнига тушиб ололмай, анчагина шалоқликлар ҳам қилганман, — деди домла.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ШАЛП *тақл. с.* **1** Юмшоқ, ҳўл нарсанинг ерга ёки бошқа нарсага урилишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Тўп учиб кетиб, писиллаганича дами чиқди-да, ерга шалп этиб тушди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Молхона томининг тарновидан катта қор парчаси эриб, шалп этиб ерга тушди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 *айн.* **шалоп.** *Тош шалп этиб сувга тушди.*

ШАЛПАЙМОҚ 1 Иссиқ ёки қаттиқ совуқ таъсирида таранглигини, «тирик» ҳолатини йўқотмоқ; сўлимоқ (ўсимлик ҳақида). *Кун иссиқ, дарахтларнинг барглари ҳам шалпайиб қолган.* Газетадан.

2 *кўчма* Ҳолсизланиб бўшашмоқ, мажолсиз, ҳаракатсиз ҳолатда бўлмоқ. *Эрталабки гимнастика шалпайиш ва қотиб қолганликни йўқотади.* Газетадан. *Турсанг-чи, мунча шалпаясан.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 *кўчма* Ҳафсаласи пир бўлмоқ, бўшашмоқ; хомуш бўлиб қолмоқ. *У* [*раис*] *минбардан шалпайиб тушди, боя ўтирган қаторига эмас, орқароққа, панароққа бориб ўтирди.* «Муштум».

4 Уддасиз, хатти-ҳаракатсиз бўлмоқ; шалвирамоқ. *..бечора-ей, анави бола мунча аммамнинг бузоғидай шалпайган экан..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШАЛПАНГ Шалпайган, осилиб тушган (қулоқ ҳақида). *«Оқтой».. шалпанг қулоқлари хачирникидай узун.. оҳанжамаси зўр эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Африка филларининг қулоғи ҳам катта, шалпанг бўлиб осилиб туради.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ШАЛПАНГҚУЛОҚ Қулоғи шалпайган; қулоғи бесўнақай катта. *Шалпангқулоқ ит.* ▬ *Элмурод.. янги курсантлар қабул қилар экан, камгўшт, қирғийбурун, шалпангқулоқ.. бир жангчи келиб, унинг қаршисида тўхтади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ШАЛТОҚ 1 Сийдик аралаш гўнг, балчиқ. *Молхона шалтоғи.* ▬ *Озғин, қорнидаги шалтоғи қотиб ётган эшакка қараган эди..* «Ёшлик».

2 Шундай нарса ва лой кабилар билан ифлосланган; ифлос, исқирт. *Бола тангани шалтоқ қўлида маҳкам қисганича, кўчани чангитиб.. арава орқасидан чопади.* Газетадан. *Машина ўтганда, деворлар лой, сув сачрайвериб, шалтоқ бўлиб кетган.* Э. Усмонов, Ёлқин.

3 *кўчма* Умуман, ифлос, ярамас нарса, гап-сўз ва ш.к. *Устма-уст ёғилаётган шалтоқ қанча жирканч бўлса ҳам, Ғуломжон ўзини босди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бировнинг шалтоғига ботиб, жувонмарг бўлиб кетмасам, деб қўрқаман.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Шалтоқ отмоқ Бировни айбловчи, гуноҳкор қилувчи, ёмонловчи гап-сўз қилмоқ. *Сенинг, айниқса, раисимиз Обид кетмонга шалтоқ отмоқ учун пайт қидирганингни ҳам биламан.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Сиз буларга қўй, мой келтирасиз. Булар бўлса, ке-*

тингиздан шалтоқ отади. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *кўчма* Озодаликка риоя қилмайдиган, ифлос иш тутадиган; ивирсиқ, исқирт. *Бир шалтоқнинг ишини йигирма эпчил эплай олмас.* Мақол. ▬ *Ўша чиноқбойни директор қилиб бўлармишми.. аввал ўзини эплаб олсин, ёқасининг кирини кўрганмисан? Хотини ҳам ўлгудай шалтоқ.* Мирмуҳсин, Кўринмас ҳалқа.

ШАЛТОҚХОНА *қ.х.* Шалтоқ оқизиб қўйиладиган, шалтоқ йиғиладиган жой; чуқурлик.

ШАЛҲАК 1 Гўштдан ёки ёғдан ажратиш қийин бўлган юпқа парда. *Гўшт шалҳагини ажратмоқ.*

2 Сифати паст, ориқ, ёғсиз гўшт. *Эртаги думба мойдан бугунги шалҳак яхши.* Мақол.

ШАМ [*а.* شمع – мум; шам; чироқ] **1** Тўнғадиган ёки қуюқлашган ёғдан ўртасига пилик қўйиб ясалган таёқчасимон чироқ. *Шам қолдиғи. Шамни ёқмоқ.* ▬ *Қумри токчадаги шамни ўчирди. Уй қоронғиланди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Таниш кошонанинг беҳисоб шамлар зўрға ёритган тор ва узун йўлаклари кимсасиз эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

Шам пули *дин.* Гўристонга бориб, қабристонда ёқиладиган шамлар учун ва хизмат ҳақи сифатида гўрков, шайх ва ш.к. ларга бериладиган пул, садақа. *Ёрмат билан Гулсумбиби Гулнорнинг қабрига боришди. Олиб келинган ош-нонни ва шам пулини гўрковга топшириб.. қайтишди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Шамдай қотмоқ** 1) ўта совқотмоқ, тўнғмоқ, музламоқ. *Мастерской битгунча, очликдан тиришиб, совуқда шамдай қотадиганга ўхшаймиз.* А. Муҳиддин, Ҳадя; 2) қўрқув ёки бошқа нарса таъсирида қимирламай қолмоқ. *Соҳиб қорининг ҳозирги чимчилаши бир оздан кейинги катта калтакнинг шабадаси эди. Шунинг учун Холида бисот сандиғи олдида шамдек қотиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Шами сўнмоқ** (*ёки* **ўчмоқ**) Ўзидан олдин қўлланган сўз билдирган нарсанинг ниҳоясига етганини, тугаганини билдиради. *Ҳамид Олимжоннинг ҳаёт шами кутилмаган бир пайтда сўнди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Умидинг шами ўчиб, йўлларда толдинг.* Ғайратий.

2 *эск. физ.* Ёруғлик кучининг ўлчов бирлиги. *Кучи юз шам бўлган лампочка.*

ШАМА I Дамлаб ичилган чойнинг идиш тагида чўкиб қолган қисми. *Чойнакка шама тўлиб қолибди.* ▬ *-Самоварчилик ўлгудек майда иш. Сув олиб кел, ўтин ёр, оғиз-бурнинг кулга тўлиб пуфлаб, чўп тиқиб тур, пиёла арт, шамани тўк.. – деди самоварчи.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Рихси бир қўлида шамасидан сув силқиб ётган чойнакни ушлаганича, титраб ўртада турарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ШАМА II Бирор нарсага ишора тарзидаги сўз, гап; замирида бирор маъно бўладиган гап. *Бу шамаларни Ўлмасой сезадимисезмайдими, билиш қийин, аммо Абдукарим асло фаҳмламайди.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув. *Йигит шамани тушунди. Юзига сезилар-сезилмас қизил югурди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

Шама қилмоқ Шама тарзидаги (таг мазмунли) гап айтмоқ. *Овқатдан кейин секин шама қилиб кўрган эдим, «Ҳа энди, от билан туя бўлардими», деб қолди.* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимга келди. *Йўлдош аввалига бепарвогина тинглади. Кейин диққат қилса, Мурзин нимагадир шама қиляпти.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ШАМАЛОҚ Ғуж-ғуж ёки тўп-тўп. *Дарахтлар тепасида болалар шамалоқ.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ҳозир чойхонада одам шамалоқ бўлса керак.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Икки томонида пахта демаганингиз шамалоқ бўлиб очилиб ётибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШАМАЛОҚДАЙ, -дек *айн.* **шамалоқ**. *Фарҳод тоғининг тагида Сирдарёнинг ҳар икки ёқасида шамалоқдек одам.* Ойдин, Ширин келди. *-Қизимнинг қувонганича бор, ҳамма ёқ шамалоқдай қурт. Худди садафдай товланиб ётибди-я – деди ўзига-ўзи ишонмаган Шарофат хола.* Ғайратий, Латофат.

ШАМАН *қ.* **шомон.**

ШАМГАРЛИК *этн.* Кечаю кундуз, тунлари ҳам шам ёқиб ишлаш. *Бозор чаққон бўлиб қолган кезларда устакор шамгарлик эълон қилади. Бундай пайтларда косиб кун-тун ухламасдан ишлашга мажбур.* И. Каримов, Атлас жилваси.

ШАМГИН: юзи шамгин *айн.* **юзи шувут** *қ.* **шувут**. *Жўрабек бир ютиниб олди-да, бошини кўтариб, шамгин юз билан гап бошлади.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Унинг жатига колхоз катта-кичиклари олдида Холмирзанинг*

юзи шамгин бўлиб қолди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Қариган чоғимда юзимни шамгин қилдинг, ерга қаратдинг.* К. Яшин, Ҳамза.

ШАМДОН [*а. + ф.* شمعدان – шам идиши] Шам ўрнатиб қўйиладиган, металл, сопол, мармар ва ш.к. дан қилинган мослама. *Катта шамдондаги шамларни ўчира бошлади.* ▬ *Тилла шамдондаги пал-пал ёниб турган шам билан ўйнашиб тургандай бўлиб, ухлабди.* «Эртаклар».

ШАМИЁН Омоч бўйинтуруғининг икки чеккасига иккитадан ўрнатилган, ҳўкизлар бўйнида туриши учун хизмат қиладиган тўртта қозиқ. *Ёмон ҳўкиз шамиён синдирар.* Мақол.

Шамиён қайтармоқ *эск.* Бўйсунмай ўжарлик қилмоқ. *Қултой Алпомишни кўриб.. жуда шамиён қайтариб, дўқлаб, Алпомишга қараб бир сўз айтиб турган экан.* «Алпомиш».

ШАМЛИ 1 Шами бор; шам ўрнатилган. *Шамли қути.*

2 *физ.* Маълум шам кучига, ёруғлигига тенг. *Юз шамли лампочка.* ▬ *Тўй кўпайгандан бери Ёлғизжоннинг бош қашлашга қўли тегмай қолди. Тўйхоналарга, ҳовлиларга сим тортиб, беш юз шамли лампочкалар ўрнатиб бериш унинг иши.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШАМОЙИЛ [*а.* شمائل – фазилатлар, яхши хислатлар, афзалликлар] *кам қўлл.* Кўриниш, сурат; тузилиш, шакл *Сумбати шамойилини эр йигитдек қилиб, Ахтабўзни миниб, Ҳасаннинг изидан тушиб кетди.* «Бўтакўз». *Арча тагида гул баргидай қалтираб турган Гулнознинг шаклу шамойили пажмурда тусга кириб..* Т. Сулаймон, Интизор.

ШАМОЛ [*а.* شمال < شمول – шимолий шамол, совуқ шамол] Ҳавонинг ер сатҳи бўйлаб (горизонтал) ҳаракати. *Ёқимли шамол. Совуқ шамол. Қаттиқ шамол турди. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр.* Мақол. *Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.* Мақол. ▬ *Очиқ деразадан кирган майин шамол қизнинг.. икки тола сочини бўйнига, томоғининг тагига тегизиб ўйнарди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи.

Кўкрагига шамол тегмоқ Танг ҳолатдан қутулиб, эркин, енгил шароитга чиқмоқ, эркин нафас оладиган бўлмоқ. *Шароитлар яхшиланиб, оддий халқнинг ҳам кўкрагига шамол тегди.* **Шамолга учмоқ** (*ёки* **кетмоқ**) Беҳуда кетмоқ, сарф бўлмоқ *..озгина янглишсангиз ҳам, ҳамма қилганларингиз шамолга учадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Султонали.. қилган ҳаракатларининг шамолга кетганини хотирлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Шамолга қарши тупурмоқ** Ўзига зарар, ёмон оқибат келтирадиган ишни қилмоқ. *Бу бола хоннинг қамчисидан ҳайиқмади.. муттасил шамолга қарши тупуради.* С. Сиёев, Аваз. **Шамолни раво кўрмайди** Ниҳоятда эҳтиёт қилади; ардоқлайди, эъзозлайди. *Отаси раҳматли, қариганимда кўрган болам, деб шамолни раво кўрмаган боласига!* «Шарқ юлдузи». **Қандай (***ёки* **қайси) шамол учирди**? Қандай сабаб, ниманинг шарофати билан ташриф буюрдингиз, келдингиз? *Дарвозани Нуриддиннинг хотини Ҳаловат очди: -Э, келинг, Набижон ака, қандай шамол учирди?* О. Ҳусанов, Дўстлар. *Э, қадамларига ҳасанот.. қайси шамол учирди?!* «Муштум».

ШАМОЛЛАМОҚ 1 Шамоллаш касалига дучор бўлмоқ, шамоллаш туфайли касал бўлмоқ; шабадаламоқ. *Шамоллайсиз, Сафар ака, ўраниб ўлтиринг.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Элмурод кечаси эшикка эҳтиётсиз чиқди-ю, шамоллаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *с.т.* Тоза ҳаводан нафас олиб юрмоқ. *-Ҳа, йўл бўлсин, буваси? -Сирожвой билан бир шамоллаб келайлик.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Анча шамоллаб ва енгиллаб кирган вақтида мингбоши дастурхон ёнига ағнаб, учиб қолган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ШАМОЛЛАТМОҚ 1 Шамолламоқ фл. орт. н. *Қумриой, Ғани отага айтинг, Тўлқинни олиб келсин, шамоллатиб қўймасин.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Бирор жойнинг ҳавосини янгиламоқ. *Бугун эртароқ қайтди. Кун бўйи иссиқ қамалиб, димиқиб қолган хонани шамоллатиш учун деразаларни очиб юборди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Тоза ҳаво, шамолда тутиб, гард-ғубор ва ш.к. дан холи қилмоқ. *Хафа бўлма, ҳар замон келиб, шамоллатиб турмасам, чириб, ириб кетасан.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ҳар куни.. рўмолни ечиб [бошимизни] икки соат-икки соат шамоллатиб юрамиз.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Баҳорда, иссиқ кунларда.. уларни дорга ёйиб ташлар, шамоллатарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ШАМОЛЛАШ 1 Шамолламоқ фл. ҳар. н. *Тоза ҳавода шамоллаш.*

2 Одам организмига совуқ тегиши натижасида пайдо бўладиган енгил касаллик; бошқа ўткир касалликларга сабаб бўладиган омил. *Шамоллаш ва зотилжам касалининг олдини олишда чақалоқни чиниқтира боришнинг аҳамияти катта.* «Саодат».

ШАМОЛЛИ Шамол бўлган, шамол эсиб турган. *Шамолли кун қичқирма, товушинг зое кетади.* Мақол.

ШАМОЛПАРРАК [шамол + паррак] *с.т.* Вентилятор.

ШАМОЛСИЗ Шамол бўлмаган, эсмаган; тинч. *Шамолсиз тун.*

ШАМПАН *с.т. айн.* **шампанский**. *Столга шампан виноси, ароқ, пиво, сув териб қўйилган эди.* С. Нуров, Нарвон. *Шампан тиқини пақиллаб отилди, дастурхонга вашиллаб вино оқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ШАМПАНСКИЙ [*фр.* Champagne – Франциядаги айни вино дастлаб расм бўлган Шампань вилояти номидан] Карбонат ангидрид гази билан тўйинтирилиб, герметик идишда қайта ачитилган узумдан солинган, кўпикланиб вижиллаб турадиган вино. *Шампанский ичмоқ.* ▬ *Собиржон муроди ҳосил бўлиб, қаттиқ олқишлар остида куёв билан келинга бир рюмкадан шампанский тутди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

ШАМПУНЬ [*ингл.* sampoo – бошни ювиш] Турли хил мойли ва хушбўй моддалар, махсус қўшимчалардан фойдаланиб тайёрланган, кенг кўламда қўлланадиган суюқ ёки хамирсимон ювиш воситаси.

ШАМС [*а.* شمس – қуёш] **1** *кт. айн.* **қуёш 1.** *Бугун коинотда шамс – подшо, қамар – вазирдир.* Ойбек, Навоий.

2 Шамс (эркаклар исми).

ШАМСА [*а.* شمسه – металлдан ишланган қуёш нақши] Таркибида қуёш тасвири бўлган гул ёки нақш. *Уйнинг олтин рангли «шамса»си, деворлардаги ранго-ранг нақшлар ҳисларни, завқларни қанотлантирар эди.* Ойбек, Навоий.

ШАМСИЯ I [*а.* شمسیّه – қуёшга, қуёш йилига оид] 1 Қуёшнинг йиллик ҳаракат циклига қараб белгиланадиган, 365 ёки 366 кундан иборат, 22 мартдан бошланадиган йил; қуёш йили (Шамсия йили қуйидаги ойлардан иборат: ҳут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадй, далв).

2 Шамсия (хотин-қизлар исми).

ШАМСИЯ II [*а.* شمسیّه – қуёшга оид, алоқадор] *эск. кт.* Қуёш нуридан, ёғин-сочиндан сақланиш учун тутиладиган соябон; зонт. *Намчил хиёбонларда шамсия тутган ошиқлар оҳиста кезар эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ШАМЧИРОҚ [шам + чироқ] *айн.* **шам 1**. *Ҳамманикида электр ёнса-ю, сиз шамчироқ ёқиб ўтирсангиз, яхшими?* И. Раҳим, Ихлос. *Токчада хира ёнаётган шамчироқ ташқарида эсган шамолни сезгандек пирпиради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАМШИР [*ф.* شمشیر – қилич, тиғ] **1** *от, кт. айн.* **қилич 1**. *Саид Жалолхон ғайратига чидолмай, шамшир суғурди ва ҳавода ўйнатиб, аскарга фармон берди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Отряд кетидан ҳавода шамширини ярқиратиб, темирчи Абдукарим билан.. Абдулла от чоптириб кетишди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *сфт. кўчма* Ўткир, етук. *Ҳозир соҳибкорлар даврасида зеҳни шамшир, халқ тажрибаси билан мўъжизакор фанни пайванд этган ёшлар кўп.* Р. Мусамуҳамедов, Кўчат эк, боғ қил!

ШАМШОД [*ф.* شمشاد] Ёғочи қаттиқ, доим яшил, тик ўсадиган жанубий дарахт ёки бута. *Шамшод кўчати. Шамшод тароқ.*

Қомати (*ёки* **қадди) шамшод** *ёки* **шамшод қомат** (*ёки* **қад**) *поэт.* Қадди-қомати тик ва келишган. *Хотин-қиз элига дарду бало паранжи, Шамшод қадларини қилди дуто паранжи.* Ғ. Ғулом. *Зуҳранинг шаҳло кўзлари жиққа ёшга тўлди, шамшод қомати тебранди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ШАМҒАЛАТ [*а.* شمغلط]: **кўзини шамғалат қилиб** Кўзига чап бериб, кўрсатмай, билдирмай. *Ўзимга бўнакка теккан буғдойдан 2–3 мартаба ярим пуддан-ярим пуддан кўтариб, Сатторқул акамнинг кўзини шамғалат қилиб, шаҳарга – бозорга тушиб сотдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Баъзида Мирёқуб уйдагиларнинг кўзини шамгалат қилиб, Ачаободга жўнаб қолар эди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ШАНБА [*ф.* شنبه – ҳафтанинг биринчи куни; Ислом динида жума – ибодат ва дам олиш куни деб қабул қилингач, шанба янги ҳафтанинг бошланиш куни бўлиб қолган]

Ҳафтанинг жумадан кейинги, якшанбадан олдинги олтинчи куни. *Жума ёғса, шанба тинар; шанба ёғса, қачон тинар?* Мақол. ▬ *Бу сўлим масканларда шанба ва якшанба кунлари сайру саёҳат қилган ҳамшаҳарларимиз жуда кўнгилли дам олади..* Газетадан.

ШАНБАЛИК Жамоа бўлиб, оммавий ва ихтиёрий равишда бирор ижтимоий фойдали ишни бажариш (дастлаб бундай ишлар шанба кунлари бажарилган). *Шанбалик ўтказмоқ.* ▬ *Шанбалик куни шу тerakларни, ҳув кўчанинг нариги томонидаги чинорларни экишганди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шаҳарни янада обод ва кўкаламзор қилиш мақсадида оммавий шанбаликлар ўтказиш анъанага айланиб қолди.* Газетадан.

ШАНТАЖ [*фр.* chantage] Ўз мақсадига эришиш, бирон фойда кўриш учун қилинадиган иғво, дўқ уриш, қўрқитиш каби ёмон ниятдаги хатти-ҳаракат, дўқ, пўписа. *Унчалик кетма. Шантаж деганинг нимаси?* А. Мухтор, Туғилиш. *Йўқ, бу исён, шантаж, ғалаён..* Р. Бобожон.

ШАНТАЖЧИ Шантаж билан шуғулланувчи. *Шантажчиларнинг шармандаси чиқди.*

ШАНҒИ 1: шанғи овоз (*ёки* **товуш**) Баланд ва қўпол овоз, товуш. *Йўлнинг олислигини билдирмаслик учунми, Абилжон шанғи овози билан гоҳ қўшиқ айтар, гоҳ ҳазиломуз гап қотиб борар эди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Кимдир шанғи товуш билан: -Мулла Асад, ҳамқишлоғингизни чақириб чиқинг, иккита ашула қилиб берсин, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шундай товуш билан гапирадиган; бақироқ. *Шанғи хотин.* ▬ *Сидиқжоннинг кўзига қабр сингари қоп-қоронғи ва тор уй, қайнанаси сингари ўлгундай баджаҳл ва шанғи кампир.. кўриниб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шанғи самоварчи жўмраги учига жез қопланган чойнакни бир пиёла билан.. дўқ этиб қўйиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШАНҒИЛЛАМОҚ 1 Баланд овоз билан, бақириб гапирмоқ. *Телефонда гаплашаётган райижроком раиси овозининг борича шанғиллар, гапни тушунтиролмай бўғиларди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Кўп ўтмай аскиячиларнинг шанғиллаган овози ҳамманинг диққатини жалб қилди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

2 Қаттиқ ёқимсиз овоз чиқармоқ. *Қўнғироқ қаттиқ шанғиллади.*

Қулоғи шанғилламоқ Чарчаш, толиқиш ёки қарилик натижасида қулоғида шовқин пайдо бўлмоқ. *Хиёлнинг кўзи тиниб, қулоғи шанғиллай бошлади.* И. Раҳим, Тақдир. *Унинг* [*Навоийнинг*] *бели букчайиб, қўллари қалтирайдиган, қулоғи шанғиллайдиган бўлиб қолди.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

ШАНҒИМОҚ *с.т.* Шанғилламоқ. *У* [*Ҳожи хола*] *бир ёқдан шанғиб, бир ёқдан пайпасланиб, Тўтиқиз орқасидан югурди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАП 1 *айн.* **шалп**. *Бир дона олма узилиб, шап этиб сувга тушди.* ▬ *Хўжабеков гарданига шап эткизиб урди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дарс вақти тугай деганда.. китобни шап эткизиб ёпди.* «Муштум».

2 Тўсатдан, бирдан; қаттиқ. *Мутал уни тўхтатмоқчи бўлиб, этагидан «шап» ушлаганди.. кўйлаги ёқасигача йиртилиб кетди.* О. Ёқубов, Ларза.

ШАПАЛОҚ 1 Қўлнинг беш панжа ва кафтдан иборат қисми. *-Ажаб қиламан! — деди Кумуш ва шапалоғи билан эрининг юзига секингина уриб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Замон у ёқ-бу ёққа бир жалланглаб олгандан кейин, бир шапалоғини оғзи ёнига тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қўл, беш панжа билан (бетга) урилган зарба, тарсаки. *Бир шапалоқ урмоқ.* ▬ *Искандар, худди шапалоқ еган кишидек, турган ерида бир ирғиб тушди.* М. Осим, Искандар ва Спитамен. *Исфандиёр шеърнинг охирини эшитишга чидамади. Авазнинг бетига шапалоқ тортиб юборди.* С. Сиёев, Аваз.

3 *кўчма* Қарши ҳаракат, зарба.

4 *кўчма* Шапалоққа ўхшаш, шапалоқ каби. *Бақатерак шапалоқ-шапалоқ баргларини қарсиллатиб садо берар..* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Унинг шапалоқ гулли қизил кўйлаги ловуллар.. ёниб кўринарди.* Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг.

ШАПАЛОҚГУЛ Шапалоқ баргли, кўпинча хонада ўстириладиган, гулсапсарнинг бир тури. *Мана ўша қизғиш тувакдаги шапалоқгул.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАПАЛОҚЛАМОҚ Шапалоқ билан урмоқ, тарсаки туширмоқ. *Қосимов қайтиб ўрнига ўтираркан, тиззасига шапалоқлаб бир уриб қўйди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. [*Бой Гулбаҳорга:*] *Ўйнаш деб, ўз болангни ўлдирдинг-*

ми? Гапир, шариат ургур! (Шапалоқлаб урар, Гулбаҳор ерга юзтубан йиқилар). Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ШАПАРАК Юпқа, пучак. *Шапарак нон.* ▬ *Тахмонда бир эски яшик. Унинг устида увада кўрпа, тошдай қаттиқ кир, шапарак ёстиқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир куни у мактабдан қайтса, онаси шапараккина кўрпача устида ўтириб, қўл машинада иш тикаётган экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ШАПАТИ *шв. айн.* **шапалоқ 1, 2**. *Аматжон пешонасига шапати урди.* С. Сиёев, Аваз. *-Сен билан улфатчилик қилган одамнинг ўзи аҳмоқ, — деб «устоди»нинг қулоқ-чеккасига шапати тортиб юбормоқчи бўлувди, кимдир қўлидан маҳкам ушлади.* «Гулдаста».

ШАПАТИЛАМОҚ Шапати урмоқ. *Ваққос ота.. ачиниб, пешонасига шапатилади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Хадичахон югуриб эшикка чиқиб.. шаллақиларча сонига шапатилаб, бақира бошлади..* Н. Фозилов, Дийдор.

ШАПИЛЛАМОҚ «Шап-шап» этган овоз чиқармоқ. *Моторларнинг гувуллаши.. қайишларнинг шапиллаши.. тинди.* Газетадан. *Сувнинг шапиллашига вужудим талпиниб, қўрага кирдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ШАПИР-ШУПУР *тақл. с.* Сувга нарсанинг кетма-кет урилиши билан чиқадиган бир-бирига яқин товушни («шапир» ва шунга яқин товушни) билдиради. *Бола шапир-шупур сузиб борар, оғзига сув кирар, совуқ суяк-суягига ўтар эди.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

ШАПКА [*р.* шапка — эркаклар бош кийими] **1** *с.т.* Пешона томонида соябончаси — козирёги бўлган бош кийим; фуражка, кепка. *Сайдалим аканинг ўғли гимназия деган катта мактабда ўқийди. Мактабга шапка кийиб боради-я. Тушундингизми, шапка!* Ойбек, Танланган асарлар. *Нормат.. шапкасининг козирёги ва хром этигининг қўнжигача ярқираб турган капитанни кўрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *айн.* **телпак**.

3 *плгрф. с.т.* Бир неча мақола учун умумий бўлган сарлавҳа.

ШАПКАЛИ Шапкаси бор, шапка кийган. *Шапкали бола.*

ШАПОҚ 1 Чиқаётган ёки ботаётган қуёшга, ёруғликка қарай олмайдиган (от ҳақида). *Қоражонбек аччиқ қамчи уради, Шапоқман баравар кетиб боради.* «Алпомиш». *Шапоқ от кунга қараёлмай, чангалга оёқ босолмай, суриниб йиқилди.* «Гўрўғли».

2 Касаллик туфайли кўзга тушадиган холсимон оқ парда; кўз касаллиги. *Кўзига шапоқ тушибди.*

ШАППА Бирдан, тўсатдан. *Асқар полвон бесўнақай лапанглаб, шаппа йиқилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Хотин шаппа оғзимни ушлади: -Ҳой, сен нима қилмоқчисан?* Ғ. Ғулом, Шум бола. [*Ит*] *Нигоранинг атрофида гир айланиб ўқраяр, қозиқ тишларини кўрсатиб ириллар, шаппа ёпишиб, узиб олиш учун пайт пойлар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАППАЛАМОҚ *с.т.* Шапалоқ билан секинроқ урмоқ, шаппатиламоқ. *-Олиб келган одамларингиз саводли чиқиб қолдику, — деди мезбонлардан бири Мирзонинг елкасига шаппалаб.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

ШАППАТИ *айн.* **шапати**. *Бувинисо Авазнинг юзига шаппати урди. Бола йиғлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У, Эҳсоннинг кафтига шаппати билан уриб сўрашди-да, бурнини жийириб, уйнинг у ёқ-бу ёғига қаради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ШАППАТИЛАМОҚ *айн.* **шапатиламоқ.** Шаппати урмоқ, шаппаламоқ. *-Овозингни ўчир, бадбахт, овозингни! Болаларнинг уйқусини ҳаром қилдинг, — деди* [*эшон*] *ва Элмуроднинг юзларига шаппатиламоқчи бўлиб, паст эгилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШАПШАК *шв.* Ахлоқ-одобни билмайдиган, адабсиз; ҳеч нарсадан тортинмайдиган, уялмайдиган. *Менинг бошимга асилзода эрни ўлдириб келдингми? А? Беҳаё шапшак.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. [*Ҳожар*:] *Э, ўлим берсин, сен беюз шапшакка!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ШАПШАКЛИК Шапшак эканлик, шапшакка хос хатти-ҳаракат. *Олим одамнинг отасига шапшаклик ярашмайди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ШАП-ШУП *тақл. с.* «Шап» ва шунга яқин товушни билдиради. *Нари-бери бўз салласини бошига чулғаб, сарпойчан кафшини шап-шуп босиб, дарвозадан ичкарига кириб бормоқда бўлган Сафар бўзчини махдум тўхтатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ШАР I [*қад. р.* шар – бўёқ ва ундан қоладиган думалоқ доғ] **1** *мат.* Фазодаги берилган нуқта (марказ)дан муайян узоқликда жойлашган нуқталарнинг геометрик ўрни: ярим доиранинг ўз диаметри атрофида айланишидан ҳосил бўлган геометрик жисм. *Шарнинг сиртини ўлчаш. Шарнинг радиуслари.*

2 Шундай шаклга эга бўлган нарса. *Уларнинг шакли ҳам қизиқ: бири тухумга, бири бильярд шарига ўхшайди, баъзиси қайроқ тошдай узунчоқ ва силлиқ.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Аммо бўм-бўш коридорда тўсатдан Замира дуч келиб қолди. Кўз кўзга тушди-ю, электр шарлар чақин чаққандай бўлди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Болалар ўйнаши учун ичига ҳаво ёки ҳавога нисбатан енгил газ тўлдирилган, думалоқ шаклдаги резинка пуфак. *Шар ёрилди.* ▬ *Аввалги байрамлардагидек ҳавода ранг-баранг шарлар учиб юрмаяпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ер шари Ер сайёраси. *Берма эркингни қўлдан, Яшамоқ чоғинг! Ернинг шаридир сенинг Мулку чорбоғинг.* Ҳамза. **Ҳаво шари** Думалоқ шаклдаги аэростат.

ШАР II *тақл. с.* **1** Газмолнинг куч билан йиртилишидан ҳосил бўлган товушни билдиради. *Сурп шар этиб йиртилди.*

2 Суюқликнинг шиддат билан оқишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *У қозонга бир пақир сувни шар эткизиб қуйиб юборди.*

ШАРА-БАРА *с.т.* Турли-туман нарсалар, қақир-қуқур. *Бошимда бир тоғора ош, бўйнимда тасмали термос, шара-бара солинган тўрва.* «Муштум».

ШАРАФ [*а.* شرف – иззат, ҳурмат, фахр; асилзодалик, юқори мартаба; юксак ўрин] **1** Фахрланишга арзийдиган нарса, юксак қониқиш ҳисси; бахт, фахр, ифтихор. *Шодлик билан туғилиб, шарафу обрў билан ўтмоқ – инсон учун бахт.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Катта билим даргоҳининг талабаси бўлишдек шарафга муяссар бўлдим.* Газетадан. *Туркистон мусулмонларининг ҳуқуқларини мудофаа эта биладиган тўрт-беш арбоби сиёсат етишса, биз учун шараф эмасми?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор ижобий хислат, хизмат ёки талант туфайли халқ орасида таратилган донг; шуҳрат, шон. *Пахтакор қаҳрамонларга шон ва шарафлар бўлсин!* ▬ *Юксак оқ олтин хирмони бунёд этиш учун кураш – шараф, обрў учун курашдир.* Газетадан. *Абдураҳмоннинг отаси уламо наслидан, аммо бу шараф нима сабаб биландир унинг отасига насиб бўлмаган.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Шараф билан Юксак ифтихор билан, шон-шарафга арзирли тарзда. *Хўжалигимиз деҳқонлари ўз зиммаларига олган давлат топшириғини шараф билан адо этдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Шарафига** *ёки* **шарафи учун** Бирор кимса ёки нарсанинг ҳурмати, эътибори ҳисобга олиниб, шунга бағишлаб, атаб. *Ўшдаги қароргоҳда бу оқшом сизларнинг шарафингизга тантанали зиёфат берилур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу ёдгорлик Марказий Фарғонани ўзлаштирганлар шарафига Бектош Раҳимов ташаббуси билан ўрнатилган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Шараф (эркаклар исми).

ШАРАФА [*а.* شرفه] *махс.* Бинонинг девор, шип ва ш.к. жойларига одатда ганчдан қуйиб ёки ўйиб ишланган нақш, безак. *-О, азизим! – ҳайрат билан гапирди генералнинг хотини ўз шеригига, уйнинг шифтидаги ганч шарафаларни, токчаларнинг ўймакор ганч нақшларини кўрсатиб.* Ойбек, Улуғ йўл. *Зилзила бўлганида, бу шарафа, гириҳлар ёрилган, кўчган, синган эди.* А. Абдуқодиров, Уста Маҳмуд.

ШАРАФЛАМОҚ Ҳурмат ва ифтихор билан тилга олмоқ, шон-шарафини қайд этмоқ. *Севимли ва улуғ Ватанимизни шарафлайдиган асарлар яратайлик.* Ойбек, Халққа хизмат – бахт. *Меҳнат инсонга фақат моддий фаровонлик келтирибгина қолмай, унинг маънавий дунёсини бойитади.. эл-юрт ичида шарафлайди.* Газетадан.

ШАРАФЛИ Шарафга, ҳурматга эга бўлган; фахрли; улуғ. *Ўқитувчининг машаққатли, масъулиятли, лекин ғоят шарафли, олийжаноб меҳнатини нимага қиёс қилса бўлади?* Газетадан. *Унинг шарафли умр йўлларида журналистик ижодиётнинг янги сарчашмалари очилмоқда.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ШАРАҚ *тақл.с.* Тош, темир каби қаттиқ нарсаларнинг ўзаро ёки бошқа қаттиқ нарсага урилишидан ҳосил бўлган овозни билдиради. *Коса шарақ этиб синди. Кўча эшик шарақ этиб очилди.*

ШАРАҚЛАМОҚ 1 «Шарақ» этмоқ, «шарақ-шарақ» товуш чиқармоқ. *У [Абдулла] ҳужра ичидан занжирнинг шарақлаганини эшитди, кимдир деворни тимдалагандай бўлди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Автомобиль тезлаб кетган сари асбоблар бир-бирига шарақлаб урилади.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *..ўртада электрга уланган самовар шарақлаб қайнаб турарди.* О. Ёқубов, Диёнат.

2 *кўчма* Чақчақлаб кулмоқ, қаттиқ кулмоқ. *Ғиёс, ўқитувчининг оғзидан сал ҳазилнамо гап чиқиб қолгудек бўлса, шарақлаб кулиб юборарди.* Ф. Мусажонов, Ғамхўр. *Шоир бўлса ҳамон шарақлаб кулар, чиройли кўзлари сузилиб кетган эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ШАРАҚ-ШАРАҚ 1 Шарақ с. такр. *Кузовдаги металл деталлар йўл бўйи шарақ-шарақ қилиб борди.*

2 *айн.* **жарақ-жарақ**. *Уч-тўрт йил мобайнида кирмаган ковагим қолмади.. шарақ-шарақ пул топдим.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

ШАРАҚ-ШУРУҚ *такр. с.* «Шарақ» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Зилзила вақтида жавондаги идишлар шарақ-шуруқ бўлиб кетди.* ▬ *Бир бурчакда биттаси шарақ-шуруқ чўт уради.* Ҳ. Шамс, Характеристика.

ШАРБАТ [*а.* شربت − бир култум; ширин ичимлик] **1** Пишиб етилган ҳўл мевалардаги қанд моддаси, ширинлик, шира. *Мевалар шираю шарбатга тўлмоқда. Хоразм қовунлари ширинлиги ва шарбати билан машҳурдир.* ▬ *Қоровул пахта гулли косада анор шарбати келтирди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *..бу ерларга сув чиқариб, ток кўкартирилса, ҳамма ёқни шарбатга тўлдириш мумкин.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Мевалардан тайёрланган ширин ичимлик. *Шу лаҳза Бадиа яна ўрнидан туриб, аравадаги хумчадан ним коса шарбат олиб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *[Беҳлул] Елкасига ташлаган дастурхонни ёзиб, баркашни меҳмон олдига суриб қўйди, кейин икки косада шарбат келтирди.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

ШАРБАТДОР 1 Сувли, ширали, ширин (мева ҳақида). *Шарбатдор узум.* ▬ *Бу қишлоқда пишган луччак шафтоли шунчалик катта, шунчалик шарбатдор бўлар эканки..* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 *эск. тар.* Хон саройидаги катта йиғинларда кишиларга май, шароб қуйиб берувчи шахс. *-Хон тайёр экан.. − деди кулумсираб Қамбар шарбатдор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шарбатдор чодирдан ичимлик идишларини.. олиб чиқиб кетди.* Ғ. Расул, Адолат.

ШАРЖ [*фр.* charge < charger − ошириб (бўрттириб) кўрсатмоқ] Шеърий ёки насрий сатирик, юмористик ҳамда тасвирий асарларда: бирор шахсга оид ҳажвий хусусиятлар устидан кулиш; шу усулда яратилган расм ёки тавсиф. *Театр артистлари Гоголь персонажларини талқин қилишда, андак бўлса-да, шарж элементларига йўл қўймадилар.* Газетадан.

ШАРИАТ [*а.* شريعت − тўғри йўл; ислом ҳукмлари, қонун-қоидалари] *дин.* Ислом ҳуқуқ тизимида: мусулмонларнинг Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва фуқаролик қонун ва қоидалари мажмуи. *Шариат қоидалари.* ▬ *Ярашадиган бўлсангиз, шариат йўл топиб беради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шариат ҳамма вақт адолатни ҳимоя қилади.* К. Яшин, Ҳамза. *У Бухорода мадрасада ўқиб юрганда, шариат ва тариқат илмини яхши ўрганган, Қуръонни ёд билар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Шариат пешволари Шариат қонун-қоидаларини мукаммал биладиган, у ҳақда йўл-йўриқ кўрсатадиган кишилар (қози, уламо ва б). *Саройда барча − шариат пешволаридан тортиб то кичкина амалдоргача шоирлик даъво қиларди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШАРИАТПАНОҲ [*а.* + *ф.* شريعتپناه − шариат ҳимоячиси, паноҳи] Шариат қонун-қоидаларини изчиллик билан амалга оширувчи, шариатни ҳимоя қилувчи, қўллаб-қувватловчи шахс. *Мен сени шариатпаноҳ деб юрган эканман. Энди кўзим очилди, сенинг тулки башарангни танидим энди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Шариатпаноҳ жанобларининг гаплари тўғри.* С. Айний, Жаллодлар.

ШАРИК [«шар 1» с. нинг кичр.] Думалоқ шаклга эга бўлган кичикроқ нарса; соққа, соққача. *Подшипник шариклари. Бильярд шариклари.*

ШАРИКЛИ Шариги бор, шарик қўйилган, шарик билан ишлайдиган. *Шарикли подшипник.* ▬ *Навоий портрети акс этган 60 минг дона авторучка ва шарикли ручкалар тайёрланмоқда.* Газетадан.

ШАРИЛЛАБ Кўп, кучли ва тез ҳолда (сув, ёмғир ва ш.к. нинг оқиши, ёғиши ҳақида). *Жилғалардан шариллаб лойқа сел келди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мезоннинг ўртасидан яна шариллаб ёмғир ёғди..* С. Сиёев, Аваз. *Жумагулнинг бутун вужудидан шариллаб тер оқарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШАРИЛЛАМОҚ «Шар», «шар-шар» этган товуш чиқармоқ; шалдирамоқ (сув, суюқлик ҳақида). *Ёмғир тарновдан шариллаб тушяпти.* ▬ *Суви қайтиб, тошлоқ қирғоқлари шақирлаб қолган сой бир текис шариллаpди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАРИЛЛАТМОҚ 1 Шарилламоқ фл. орт. н. *У дарҳол кийимларини ечиб, жўмракдан сувни шариллатиб, ювинди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Тез ва тутилмай бажармоқ. *У [раис] рақамларни шу қадар ёддан шариллатардики, гапига ишонмасдан иложингиз йўқ эди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Қани энди мен ҳам ўрисчани шариллатиб ўқийдиган бўлсам.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ручкамга мия ўрнатилган бўлса-ю.. масалаю мисолларни шариллатиб ишлайверса.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШАРИФ [*а.* شريف – асилзода, таниқли; олийжаноб, виждонли] **1** *эск. юқ. усл.* Муқаддас, азиз; табаррук. *Қуръони шариф.* ▬ *Бухоройи шарифда Абу Али ибн Сино деган бағоят улуғ табиб ўтган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Қайтиб келгандан кейин сизларнинг ёрдамингизда ҳазратимнинг мозори шарифларига бориб турамиз-да, – деди домла.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шариф (эркаклар исми).

ШАРЛАТАН [*фр.* charlatan – дастлаб: сайёр дори сотувчи; кейин: фирибгар < *итал.* ciallare – қуруқ гап сотмоқ] *с.т.* Алдам-қалдамга ниҳоятда уста; алдамчи, товламачи, фирибгар. *Аммо у [Зикир] шарлатан савдо инспекторини қўлга олиб, актларни йўқ қилиб улгурибди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Мен у одамни сиздан яхшироқ биламан, юз сўмликнинг қирғоғини кўрмаса, овози хаста бўладиган шарлатанлардан.* С. Маҳкамов, Шогирд.

ШАРМ [*ф.* شرم – уят; уялиш, уятчанлик] Ножўя хатти-ҳаракатдан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси; ҳаё, уят, номус. *Шарм қилмоқ.* ▬ *Ёки ўша ёқалашишда бирон ери лат еди-ю, шарм кучлилик қилиб индамадими?* Мирмуҳсин, Умид. *Яхши аёлнинг бор шарм билан ҳаёси.* «Гулхиромон».

ШАРМАНДА [*ф.* شرمنده – виждонли, инсофли; уятчан; уятга қолган, изза бўлган] Шарму ҳаёни йўқотган; ҳаёсиз. *У ахлоқсиз бир кимса-ку! У беҳаё, шарманда.* К. Яшин, Ҳамза.

Шарманда бўлмоқ Ниҳоятда уятга қолмоқ; шармандаси чиқмоқ. *Шундай қилайликки.. пинҳона ҳаракатлари ҳам фош бўлиб, ўзлари эл орасида шарманда бўлсинлар.* Газетадан. **Шарманда қилмоқ** Ниҳоятда уятли ҳолатга қўймоқ. *Нега мени шунча одам олдида шарманда қиласан, жодугар!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ШАРМАНДАГАРЧИЛИК Шармандали ҳол, ҳодиса. *Ўғил шаънига бундан ҳам ёмонроқ шармандагарчилик бўлмаса керак.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Бу қандай шармандагарчилик? ..Салимбойваччага бир хизматкор мушт кўтарсин!* Ойбек, Танланган асарлар.

ШАРМАНДАЛИ Шармандалик келтирувчи. *Кечирасиз, ҳурматли ўқувчи.. бу шармандали ҳодиса шу кунларда рўй берди.* «Муштум». *Баъзи жойларда қалин тўлаш каби шармандали урф-одат давом этмоқда.* Газетадан.

ШАРМАНДАЛИК 1 Шармандали иш, ҳолат, шармандагарчилик. *Зарифбойнинг авзойи ёмон эди. У бултурги шармандаликни ҳар эслаганда, бадани ўт бўлиб ёнади.* С. Сиёев, Аваз. *Қизининг қилган шармандалигини кўтара олмаган Замира опа инфаркт туфайли ҳаётдан кўз юмди.* Газетадан.

ШАРМАНДАЧИЛИК *қ.* **шармандагарчилик.** *Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан, ўйланмай босилган қадам шармандачилиги одамлар орасида анча гап-сўзга сабаб бўлди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ШАРМИСОР [*ф.* شرمسار – кулгили ҳолатда қолган, изза бўлган, шарманда] *айн.* **шарманда**. *Шармисор бўлмоқ.* ▬ *-Шарманда қилдинг, шармисор қилдинг! – Тожибой пешонасига уриб, додлаганича уйига кириб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ШАРМИСОРЛИК Шарманда, шармисор иш, ҳолат. *-О, ҳали сен иблис фарзандлари билан ҳамтовоқ бўлдингми? – қичқирди Абдулвоҳид тупугини сачратиб, – бу қандай шармисорлик!* Ойбек, Нур қидириб.

ШАРМЛИ Шарм-ҳаёси бор; ҳаёли. *Шармли қиз.*

ШАРМСИЗ Шарм-ҳаёси йўқ; уятсиз, ҳаёсиз. *Шармсиз йигит.* ▬ *Эшонларнинг ўзлари, Шармсиздир юзлари, Ошга тўймас кўзлари.* Ҳамза.

ШАРНИР [*нем.* Scharnier < *фр.* charniere < *лот.* cardo – ниманингдир атрофида айланувчи нарса] Бир-бирига бириктирилган икки валнинг, ўқнинг ўзаро бурчак ҳосил қилиб айланиши ёки ҳаракат қилишига имкон берадиган қўзғалувчан механизм.

ШАРНИРЛИ Шарнирга эга бўлган, шарнири бор. *Шарнирли бирикма.*

ШАРОБ [*а.* شراب – ичимлик; шарбат; май, вино] *кт.* Кайф берувчи ичимликларнинг умумий номи; май; вино. [*Навоий:*] *Таажжуб, янгича аза, янгича базм.. Эгниларида қора либос, қўлларида қизил шароб, тушкунликнинг мужассам тимсоли!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Қалдирғочнинг расми ўйилган Шишалар ҳам шаробларга лим.* Э. Раҳим.

ШАРОБХОНА [шароб + хона] *кт.* Шароб ичиладиган жой; майхона. *Мўл, текин овқатни егандан кейин [Тўғонбек] шаробхонага югурди.* Ойбек, Навоий.

ШАРОБХЎР [*а.* + *ф.* شرابخور – шароб ичувчи] *кт.* Шароб ичишга ружу қилган, берилган. *Шаробхўр одам.*

ШАРОБХЎРЛИК Шароб ичиш, тўйиб май ичиш. *Бойваччалар шаробхўрлик қилиб ўтираверишди..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШАРОБЧИ *эск.кт.* Шароб сотувчи, майфуруш. *Шаробчидан катта косада «оби ангур» сўраб, хонанинг бир бурчагига чўкди.* Ойбек, Навоий.

ШАРОИТ [*а.* شرائط – шартлар; тартиб-қоидалар] **1** Объектив ҳолдаги муайян вазият. *-Тоғ шароитига мослаша бошлаган қўйларнинг қонида ўзгариш бўлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу хислат ота-бобосининг қонидан.. чўл шароитида ҳар бир бошоқни минг машаққат билан ўстириб, ҳар қўйни авайлаб боққан шароитидан синган.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Бирор нарсанинг воқеланишига, бўлишига таъсир этувчи ҳолат, вазият; имконият. *Самарқанд обидаларидек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган, жаҳонга донғи кетган олимларни тўплаб, уларга шароит яратиб берган одам [Амир Темур] эзгуликни ҳис қилмаслиги мумкин эмас.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ШАРОРА [*а.* شراره – учқун, аланга] *эск. кт. айн.* **учқун 3**. *Тим қора оҳу кўзларида ёшлик ва муҳаббат шарораси жўш уриб, ўз қурбонини излайди.* К. Яшин, Ҳамза. *..қароқларидан ёғилаётган нозиккина туйғунлик ўзи бир алоҳида шарора ҳосил қилгандек эди.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ШАРОРАТ [*а.* شرارت – ёмонлик, ярамаслик; ёвузлик] *эск. кт.* **1** Ахлоқий бузуқлик, фаҳш, ахлоқсизлик. *Ҳамоқат дарсини шарорат дарсхонасида хатм қилган мендай..* К. Яшин, Ҳамза.

ШАРОФАТ [*а.* شرافت – шон, шараф; иззат, обрў; олийжаноблик] **1** Яхши, нафли таъсир; хосият. *Яхшининг шарофати тегади, ёмоннинг – касофати.* Мақол. ▬ *Меҳнатда бор кўп хосият, шарофат, Бел боғласа меҳнатга ким, азиздир.* Ҳабибий. *Машинанинг шарофатини эндиликда ҳамма яхши тушуниб қолди.* Газетадан.

Шарофати билан Бирор кимса ёки нарса туфайли, унинг яхши хислати, хосиятига кўра. *Сизнинг шарофатингиз билан бошимни кўтариб турибман. Ёмғир шарофати билан ғўзалар яхши ўсяпти.* ▬ *Умарқулнинг шарофати билан ҳамма бир уйга йиғилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Шарофат (хотин-қизлар исми).

ШАРОФАТЛИ Шарофатга эга, хосиятли. *Шарофатли киши. Шарофатли давр.* ▬ *Илм амал билан шарофатлидир.* Ғ. Ғулом.

ШАРОФАТСИЗ Шарофати йўқ, хосиятсиз, фазилатсиз, бахт келтирмайдиган.

ШАРПА 1 Қулоққа чалинар-чалинмас товуш. *Тошпўлатов пойандоз солинган узун коридордан бамайлихотир кириб борар экан, оёқ шарпасини эшитиб, ичкаридан Хосият хола чиқиб келди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..коридордан эшитилган ҳар бир шарпага сергакланиб қулоқ солар.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Кимса ёки нарсанинг ғира-шира, билинар-билинмас қораси, ифодаси; шундай соя. *Ҳалиги фонарнинг хирагина нури тушиб турган тош ёнида бир шарпа қимирлади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Анҳорнинг тўғонлари олдида одамларнинг хира шарпалари уймалашар..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Отабек кетига бурилиб, ташқари йўлакдан киргувчи*

дадаси билан Ҳасанали шарпасини олди ва ўйланиб тўхтади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Далолат берувчи сезилар-сезилмас ифода; белги, аломат. *Шу пайт юрагим мудҳиш бир нарсанинг шарпасини сезгандай бўлди.* «Гулдаста». *Гўзал баҳорнинг шарпаси ер ва кўкда, гул ва япроқда, ўтўланларда кезар эди.* Н. Сафаров, Қайта туғилиш. *Ўртада адоватнинг хира шарпаси пайдо бўлгандек туюлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 Ялтироқ нарса (мас., кўзгу) орқали бирор жойга тушган шуъла, нур акси. *Шипда шарпа ўйнай бошлади.* ▬ *Анорхоннинг сариқ ва кўк рўмолларигина шом қорасида шарпадай милтилларди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ШАРПАСИЗ Овоз чиқармаган ҳолда; овозсиз, товушсиз. *Ҳаёт саҳнда уккидай тикилиб турган катта бувиси томонга майин, шарпасиз одимлар билан шипиллаб.. кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шу пайт дарвозанинг бир табақаси ўз-ўзидан шарпасизгина очилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАРР I [*а.* شرّ – ёмонлик, ёвузлик; қаҳр-ғазаб] Ёмонлик, ёвузлик; касофат. [*Қулаҳмад*:] *Ҳазрати олий ҳовлимда меҳмон бўлганларида, фуқарони бу ёмонлар шарридан халос қиламан, дедилар.* Мирмуҳсин, Чўри.

ШАРР II *айн.* **шар** II. *Севги деб аталган бу ҳислар баҳор ёмғиридек шарр этиб ўтиб кетмасмикан?* Мирмуҳсин, Умид.

ШАРРОС 1 *рвш.* Челаклаб қуйгандек, жадал (ёмғирнинг ёғиш тарзи хақида). *Мунаввар навбатчиликдан бўшаб, эшикдан чиққанда, ёмғир шаррос қуяётган эди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Туни билан шаррос қуйиб чиққан ёмғир тонготарга яқин тинди.* С. Абдуқаҳҳор, Ушалган орзу. *Кўз юмиб очгунча, бутун коинотни булут қоплаб, шаррос ёмғир қуяди.* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

2 *от* Шу тарзда ёғаётган ёмғир; жала. *Томчилар йилтиллаб йўлка тошида, Бўлажак шарросдан берарди хабар.* Шуҳрат.

3 *рвш. кўчма* Тутилмасдан, дудуқланмасдан ва тез. *Мен эски жангномаларни ўқиб ўрганганим учун.. «Тараққий» газетасини шаррос ўқиб кетабердим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ўзи тенги келадиган бир ўспириннинг шундай катта китобни тутилмасдан, шаррос ўқиётганига ҳайрон бўлиб, оғзи очилиб қолди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Меҳмон эса унга қараб, форс тилида шаррос сўзлаб кетди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ШАРТ I [*а.* شرط – талаб; ҳолат, вазият; тартиб-қоида] **1** Бирор иш ёки масала юзасидан ёзма ёки оғзаки ўзаро келишиб олиш, ўзаро келишув. *Шунинг учун Йўлчининг илтимосига дарров кўниб, шарт бўйича, Шоқосимга овқат, ётиш учун жувозхона олдидан бир ҳужра берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир-бирimiздан сир сақламаймиз. Хўпми? Шарт шу.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўзаро шартлашаётган ёки бирор муносабатда бўлаётган томонлардан бирининг бошқа томонга нисбатан қўйган талаби. *Лекин шарт – бизга астойдил, ихлос билан хизмат қиласиз..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Пудрат усулининг шартларига мувофиқ, бу маблағнинг анча қисми пудрат асосида ишлаётганларга тақсимлаб берилади.* Газетадан. *Қиз, «Пойгада ютиб чиққан одамга тегаман», деб шарт қўйибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *..эртага шаҳарга туш, нима шартинг бўлса, ўша ерда гапир.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тақозо этувчи нарса; талаб. *-Маданиятли бўлишнинг энг биринчи шарти – соддалик, табиийлик, – деб юбордим.* Ф. Мусажонов, Меҳмонда. *Ҳозиржавоблик – аскиянинг асосий шартидир.* «ЎТА». *Санъат турларининг уйғунлашуви учун умумий услубий хусусиятларнинг мавжудлиги зарурий шарт ҳисобланади.* «Саодат».

4 *кесим взф.* Қатъий талаб этувчи; зарур. *Бугун келишингиз шарт.* ▬ *Бу жанг узоққа бормайди. Лекин Хуросон қўшини шай бўлиб турмоғи шарт!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Болага оила ҳам, мактаб ҳам баравар тарбия бериши шарт.* Газетадан.

Шарт майли *тлш.* Бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт бўлган бошқа иш-ҳаракат ёки ҳолатни англатувчи феъл шакли ва шу шаклга мос маъно. **Шарт эргаш гап** *тлш.* Бош гапдан англашилган воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятнинг рўй бериш шартини англатувчи эргаш гап. **Эҳтиёт(и) шарт** Ҳар эҳтимолга қарши. *Шунинг учун учрашгандаям уйда, мана шунақа пана-пастқам ерларда учрашсак, эҳтиёт шарт дейдиларку, ахир!* С. Кароматов, Ҳижрон.

ШАРТ II: **шарти кетиб, парти қолган** 1) қариб, куч-қуввати кетиб қолган, мункиллаган; бедармон. *Шарти кетиб, парти қолган бой, тепага кўтарилган сари, оёғи қалтираб, бутун вужудидан тер оқа бошлаган.* Газетадан; 2) эски, шалоқ; хароб. *Шарти кетиб, парти қолган арава.* ▬ *Рўзғорнинг шарти кетиб, парти қолди. Шу рўзғоримни тебратсам дейман.* И. Султон, Бургутнинг парвози. *..шарти кетиб, парти қолган тегирмонлар нигоҳини тортиши мумкин.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ШАРТ III *тақл. с.* Бирор нарсанинг урилиши ёки узилишидан ҳосил бўладиган овозни билдиради. *Икки-уч қамчидан сўнг толга боғланган тизгин шарт этиб узилиб кетди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампир яна ғазабга келди.. кўйлагининг ёқасини шарт йиртиб юборди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Куйган одам шарт уради сонига..* «Ҳасанхон». *Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таъқиб этди ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартак олишдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ШАРТ IV Тез ва кескин. *Отамурод шарт орқасига бурилди-ю.. чайла томонга чопиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби. *Дилдор шарт ўрнидан турди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ШАРТАК *айн.* **шартаки 2.**

ШАРТАКИ 1 *сфт.* Ўйламай-нетмай, юз-хотир қилмай гапираверадиган. *Шартаки одам.* ▬ *Бир гапни тушунтиргунча етмиш марта луқма ташлайдиган шартакиларни.. оқламоқчи эмасмиз.* Газетадан. *Аммо мана бу шартаки Ҳамзангиздан уламолар хафа.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *от* Шартиллатиб уриш, шаппати.

ШАРТАКИЛИК Шартакига хос хусусият, хатти-ҳаракат; ўйламай, юз-хотир қилмай гапираверишъ. *Хўб қизсан-у, шартакилигинг чатоқ, гап келганда, отангни аямайсан.* А. Муҳиддин, Ҳадя. *Саври хола овсинининг хафалигини бир оз ёзиш учун пайпаслаб кетди: -Шартакилигим ўлсин, овсин, гапиравераман.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

ШАРТИЛЛАМОҚ «Шарт» этган овоз чиқармок. *Арқон шартиллаб узилди.*

ШАРТКЕСАР Дангал гапирадиган; дангалчи. *Шарткесар одам.* ▬ *У* [*Муротали*] *виждони пок, юраги очиқ ва шарткесар эдики, кимдан ва нимадан норози бўлса, юзи-кўзига қарамай, кескин айтарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ШАРТЛАШМОҚ Бирор масала юзасидан маълум шартлар билан ўзаро келишиб олмоқ; аҳдлашмоқ. *Кечқурун кинога боришга шартлашдик. Ҳар икки томон ўзаро ёрдамни янада кучайтириш ҳақида шартлашдилар.* ▬ *[Болалар] Шартлашиб олишганми, бараварига олма тишлашди.* «Ёшлик». *Хўжайин эрта кўкламда шартлашиб, пулни тўлаб қўйган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШАРТЛИ 1 Бирор шарт асосида ўзаро келишилган, шартлашилган. *Шартли ишора. Шартли жойда учрашмоқ.*

2 *рвш.* Маълум шартлар асосида, бирор шарт билан. *Турғун сизга қўшимча ҳужжат бермоқчи. Ҳозирча шартли қабул қилаверасиз* [*деди Валихўжа*]. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 Маълум шартлар асосида қайд қилинган, бирор шарт амалга оширилган тақдирдагина кучга кирадиган. *Оғир шартли битим.*

4 Бирор нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. ни рамз, тасвир билан ифодалайдиган. *Қабул қилинган шартли белгилар. Дарёларни шартли чизиқ билан ифодаламоқ.*

Шартли рефлекс *физиол.* Организмнинг (одам ва ҳайвонларнинг) шахсий ҳаёти давомида янгидан ўзлаштириладиган рефлекс.

ШАРТНОМА [шарт I + нома] Томонлар (икки ёки бир неча шахс) ўртасида тузилган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган битим. *Латофат нашриётдан шартнома билан олган таржимасини тугатолмой диққат эди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Хонани ижарага олган киши, шартномага биноан, уни яхши сақлаши, жорий ремонт қилиши лозим.* Газетадан.

ШАРТСИЗ Шарт қўйилмаган, шарти йўқ; бирор шарт қўймасдан. *-Бу ҳолдан қутулишнинг бирдан-бир йўли — деди йигитлардан бири, — ҳеч бир шартсиз, сўзсиз.. таслим бўлишдир.* С. Айний, Қуллар.

Шартсиз рефлекс *физиол.* Инсон ёки ҳайвон билан бирга туғиладиган, ирсийланадиган рефлекс; туғма рефлекс.

ШАРТТА 1 Истиҳола қилиб ўтирмай, юз-хотир қилмасдан, рўйирост, дангал. *Бор гапни шартта гапирадиган одам.* ▬ *У* [*Асрора*] *хонаси келганда ҳеч кимни аямасди. Мажлисларда, кимнинг камчилиги бўлса, шартта*

юзига айтаверарди. С. Аҳмад, Уфқ. *У* [*Элмурод*] *энди бўйни қисиқ етим эмас. Энди унга.. бор гапни шартта айтиб, кўнгилни хижолатдан бўшатиш осонроқ!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **шарт** IV. *Қўшоқ шартта ўрнидан турди-да, зарда билан дўқиллаб, чиқиб кетди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Поччаев шартта бурилиб, жўнаб қолди.* А. Мухтор, Туғилиш.

3 Ўйлаб, чўзиб ўтирмай. *Ирода шартта муддаога ўтиб қўя қолган эди, жавобни ҳам нақд қилиш керак.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Туробовага шартта «икки» қўйиб бердим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШАРТТАКИ *қ.* **шартаки.** *Кишилар билан муомалада хийла шарттаки бўлган бу солдат нимадан андиша қилаётганига ҳайрон бўлдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ШАРТ-ШУРТ 1 «Шарт» ва шунга яқин товушни (товушларни) билдиради (*қ.* **шарт** III). *Қоғозни шарт-шурт йиртмоқ.* ▬ *Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таъқиб этди ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартак олишдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ўзи ишга киришиб, шарт-шурт чеканка қилиб кетаверди. Бошқалар* [*Холдорнинг*] *орқасидан эргашдилар.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

2 Тезлик билан, тез-тез, жадал. *-Нега йиғлайсан, тинчликми ўзи? — Адол хола қўлидаги сузгични илиб, унга яқинлаша бошлаган эди, Тошхон халатни шарт-шурт ечиб улоқтирди-да, кўчага югурди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ШАРФ [*нем.* Scharfe < *фр.* echarpe < *лот.* scirpea — тўқима; ўрилган (тўқилган) нарса] Бўйинга ўраладиган ёки бошга, елкага ташлаб юриладиган, энига нисбатан узун мато.

ШАРШАРА Баланд, тик тепаликдан пастга шовуллаб оқиб тушадиган сув оқими; шалола. *Олтмиш метр баландликдан отилиб тушаётган шаршара тўфони тагида бўлдик.* Р. Файзий, Заранг барги. *Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улуғворлик бахш этиб, бир текис гувуллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАРШАРАК Кичик шаршара. *Тоғ оралиғидаги шаршаракнинг бу ажойиб қилиқлари болаларни ҳаяжонга солди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШАРЪАН [*а.* شرعاً — шариат юзасидан] *дин.* Шариат қонун-қоидаларига биноан, шариат бўйича. *Сен ўғрисан! Одам бўлганингда, шаръан қўлингни кесиш лозим бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Бировнинг устига айб қўйиш учун, шаръан, шоҳидлар лозим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ШАРЪИЙ [*а.* شرعى — шариатга (диний қоидага) тегишли, мансуб] *дин.* Шариат ақидалари, қонун-қоидаларига мос келадиган; шариатга кўра қонуний. *Иссиқ уйинг, ҳалол боланг, шаръий эринг турганда, бировларга белингни қучоқлатиб.. элга бош-қош бўлгунча, ҳар нарса еганинг яхши!* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Мен мавизни тамом шаръий қилиб тайёрлайман, тунов кун маҳалламизнинг охунлари ҳам ҳалоллигига фатво бериб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳийлаи шаръий *ёки* **шаръий ҳийла** Шариат қонун-қоидаларига чап бериб қилинадиган, тутиладиган иш, ҳийла. *У* [*имом*] *бойнинг қасамига шоҳид эди, ажаб эмас эдики, бирор шаръий ҳийла топиб, бойни бу ботқоқдан қутқазса.* С. Айний, Эсдаликлар.

ШАРҚ I [*а.* شرق — кўтарилиш, чиқиш томон (мас., қуёш)] **1** Дунёнинг тўрт томонидан бири; ғарбга қарама-қарши бўлган томон, қуёш чиқадиган томон; кунчиқиш. *От кўчанинг шарқига юриб.. яна шимолга бурилиб, тор кўча бўйлаб узоқ кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уруш ғарбда, рота фронтдан уч-уч ярим минг километр берида, яна шарққа қараб кетаётибди! Аҳмаджон ўйлаб, ўйига ета олмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 (Ш — *катта*) Ғарбий Европага нисбатан шарқ томондаги мамлакатлар, ўлкалар. *Шарққа саёҳат. Яқин Шарқ. Узоқ Шарқ.* ▬ [*Салимхўжа*] *Нусратилланинг иқболу истиқболи ҳақида кўп чиройли китобий сўзлар билан гапирар, янги Шарқнинг қудрати, миллатнинг гули бўлади, деб мақтар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Улар ҳозирги Шарқ тарихи китобини навбатма-навбат ўқиб ва эшитиб ўтирганларида, Очилнинг кўз олдига дам-бадам эзилиб йиғлаётган Замира келар, бунинг учун у ўзини гуноҳкордай ҳис қиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ШАРҚ II *айн.* **шарақ**. *Санобархон дарвозани устидан кичкина босма қулф билан шарқ этиб беркитди-да, Адолатга эргашди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ШАРҚИЙ I [*а.* شرقى – шарққа доир, алоқадор; шарқона] Шарқ томонда жойлашган; шарқдаги, кунчиқишдаги. *Шарқий Европа. Шарқий мамлакатлар.*

ШАРҚИЙ II [*а.*شرقى] *эск.* Юриб туриб нақарот билан айтиладиган қўшиқ; марш қўшиғи. *Болалар шарқий айтдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Қўноқлар шарафига ўқияжак шарқийни машқ қилиб бўлдингми?* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ШАРҚИРАМОҚ *айн.* **шарилламоқ 1.** *Тўлаган ака шарқираб оқаётган ариқдан юзқўлини ювиб, белидаги белбоғининг бир учига артинди.* Газетадан. *Эшигим олдида бир туп терак бор, Ёнидан ўтади ариқ шарқираб.* Шуҳрат.

ШАРҚИРОҚ Шариллаб, шарқираб оқадиган. *Шарқироқ сой.* ▬ *Шарқироқ ариқ ёқасида, ўсиқ ялпизлар орасида ўтириб, кўклам қучоғида ястаниб ётган фусункор далага суқланиб тўйиб бўлармикан?!* Н. Ёқубов, Бўсағада.

ШАРҚЛИК Шарқда яшовчи, шарқий мамлакатларнинг бирида истиқомат қилувчи. *Шарқлик одам.*

ШАРҚОНА *қ.* **шарқча**. *Устозлар турганда, ўзи ҳақида сўзлаш шарқона одобга сиғмайди.* Газетадан. *Бинокорликда шарқона услуб кўплаб бинолар кўркига кўрк қўшди.* Газетадан.

ШАРҚЧА Шарқ халқлари услуби, одати ёки маданиятига хос; шарқона. *Ҳар икки қаватдаги хоналарнинг кенг деразалари ўймакор устунли узун, лекин торроқ шарқча айвонга очилар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ШАРҚШУНОС [Шарқ + *ф.* شناس – ўрганувчи] Шарқшунослик мутахассиси. *Шарқшуносларнинг бутунжаҳон анжумани.* ▬ *Бу шарқшуносларнинг фикрича, қадимги замонларда бир бутун умумолтой тили мавжуд бўлган..* «ЎТА».

ШАРҚШУНОСЛИК Шарқ мамлакатларининг маданияти, тарихи, иқтисодиёти, тили, санъати ва ш. к. ни ўрганадиган фанлар мажмуи. *Шарқшунослик институти.*

ШАРҲ [*а.* شرح – тушунтириш, изоҳ, тавсиф; эслатма] Бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиб бериш, тушунтириб бериш; изоҳлаш, изоҳ. *Шарҳлар билан чиқарилган Навоий асарлари.* ▬ *Абдураҳмон.. кутилмаганда жонланиб кетди. Яъни «Ақоид»нинг шарҳига яхши тушунишга енг шимарди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Шарҳ қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ёзма ёки оғзаки тарзда шарҳини бермоқ, айтмоқ; шарҳламоқ. *Гоҳи худман, гоҳи бехуд, Шавқу дардим шарҳ қил.* Э. Воҳидов. *Ўз туққан қишлоғимнинг шу бугунги тонгини Кошкийди шарҳ этолсам бу бир кичик шеъримда.* П. Абдуллаев, Менинг қишлоғим. **Шарҳи дил** Дилдаги бор гапларни очиқ-ойдин баён қилиш. *Шарҳи дилим кимга ёзсам, Шакар деб дунёни кезсам.* «Ширин билан Шакар».

ШАРҲЛАМОҚ Шарҳ-изоҳ қилмоқ, тушунтириб бермоқ, изоҳламоқ. *Абдулвафо ал-Бузжоний.. қадимги юнон олимларининг алжабр ҳамда фалакиётга оид асарларини таржима қилдилар ва илмий шарҳладилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Нуриллахон.. Бухоро тахтини тортиб олганларга нисбатан бўладиган бу курашнинг моҳиятини шарҳлади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ШАССИ [*фр.* chassis] **1** Автомобиль, трактор ва транспорт воситаларининг барча қисмлари (кузов, мотор, барча механизм ва деталлар) ўрнатиладиган асос, таглик; рама. *Автомобиль шассиси.*

2 Турли асбоб-ускуна, радиоприёмник ва ш.к. нинг асосий деталлари ўрнатилган асос. *Телевизор шассиси.*

3 Самолётнинг ҳавога кўтарилишига, қўниш вақтида эса унинг ерга урилиш кучини пасайтиришга хизмат қиладиган қисми. *Йиғма шасси. Йиғилмайдиган шасси.*

ШАТАК 1 Ўзи юролмайдиган улов, транспорт воситасини бошқа уловга, транспорт воситасига тиркаб олиб юриш усули; тиркаладиган ёки тирковга оладиган нарса. *Қумри қатъият билан машинага югурди-да, кузовга ташлаб қўйган, шатак тиркаш учун ишлатиладиган сим арқонни судраб келтирди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *У иккинчи қаторни охирламаёқ, бункери «оқ олтин»га лиммо-лим тўлганини кўриб, суюниб кетди. Дала четидаги шатаклар эса аллақачондан бери унга мунтазир эди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Директор устахонадан шатак билан аранг олиб чиқилаётган тракторни кўриб, азбаройи жаҳли чиққанидан, тилини тишлаб олаёзди.* «Муштум».

2 *кўчма* Қолоқ, ночор аҳволдан олиб чиқиш, «судраш», юргизиш учун ёрдам берувчи шахс, нарса; ёрдам; кўмак. *Кечаги-*

на бошқаларнинг шатагига муҳтож бўлган бригада — бугун, қарабсизки, илғор. Газетадан. *Кучи кетиб, эплай олмаяпти, ёрдам қилиш керак, деб ёнингизга шатак берсак, асов отдек тепкилайсиз.* «Қаҳрамоннома».

Шатак қилмоқ Шатакка олувчи қилиб қўшмоқ. *..зўрлиги билан донғи чиққан тўриқ отни аравага қўшиб, унинг ёнига бошқа бир отни шатак қилиб, зўрға судраб келдик.* С. Айний, Қуллар. **Шатакка олмоқ** 1) ўзи юролмайдиган улов ёки бирор транспорт воситасини бошқасига тиркамоқ, бошқасига тиркаб юргизмоқ, судрамоқ. *Юки оғир от.. олға интилмаса, ё шатакка олинади, ёки аравадан чиқариб, бошқа от қўшилади.* «Шарқ юлдузи». *Кўздан йироқлашган трактор кўп ўтмай машинани шатакка олиб қайтди.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) ўз кучи билан тортмоқ, судрамоқ; тортиб юргизмоқ. *Кўпчилик йигитлар сакраб ерга тушиб, арқонни боғлаб, машинани шатакка олдилар.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди; 3) *кўчма* ишнинг силжиши, юришиб кетиши учун ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ. *Ўтсам-ўтмасам, хавотир эмасман. Биласиз-ку, раис, шатакка олиб юрган йигитмиз.* «Қаҳрамоннома». *Биз паст ҳосилли бригадалардан бирини шатакка олишга қарор бердик.* Газетадан.

ШАТАКЛАМОҚ 1 *кам қўлл. айн.* **шатакка олмоқ** *қ.* **шатак.** *Бузуқ автомобилни шатакламоқ. Қолоқ цехни шатакламоқ.*

2 Бир-бирига тиркаб бириктирмоқ, шатак ҳолатига олмоқ. *Зўрайиб бораётган пўртана [ҳарбий кемаларни] бир-бирига шатаклаган арқонни узиб ташлади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ШАТАКЧИ Шатакка олувчи (*қ.* **шатак**). *Шатакчи кема. Шатакчи от. Шатакчи бригада.*

ШАТАЛОҚ: **шаталоқ отмоқ** 1) орқа оёқларини баравар кўтариб тепинмоқ; тепиниб югурмоқ; ўйноқлаб чопмоқ (от, мол каби ҳайвонлар ҳақида). *От шаталоқ отиб қочди.* ▬ *Эшак.. бир шаталоқ отиб, йўртишга тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сигир қўрққанидан шаталоқ отиб, жар томонга қараб қочди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси; 2) сакраб-сакраб югурмоқ, ўйноқлаб чопмоқ (бола ҳақида). *-Амаким келдилар, амаким! — деди.. Адҳамнинг кенжатойи Рустам ва яна шаталоқ отиб, кўчага югуриб чиқиб кетди.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб; 3) бирданига қочиб қолмоқ, орқа-олдига қарамай ура қочмоқ. *Сизга қойилман.. бойваччаларингиз ҳаммаси шаталоқ отиб қочди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАТАЛОҚЛАМОҚ *айн.* **шаталоқ отмоқ** *қ.* **шаталоқ.** *Сергей ишком орқасидаги бедазорга шаталоқлаб чопди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ШАТИЛЛАМОҚ *айн.* **шатирламоқ 2**. *У яна олдинга интилиб, шатиллаганича юриб кетди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ШАТИР 1 *тақл.с.* Қуруқ шох-шабба, қамиш кабиларнинг ҳаракатга келиши, сув, ёмғир кабиларнинг урилишидан ҳосил бўлган товушни билдиради.

2 Ўйлаб ўтирмай, дабдурустдан, тўсатдан. *Опаси кўп кулар, ҳар ишни тез ва шатир, беэҳтиёт қилар, шунинг учун ҳам уйда бирор идиш-товоқ синса, албатта, ундан кўришар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАТИРА-ШУТУР *айн.* **шатир-шутур**. *Унинг* [*момақалдироқнинг*] *кетидан шивалаб ёмғир, дам ўтмай ёнғоқ қоққан каби шатира-шутур дўл уриб берди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШАТИРЛАМОҚ 1 «Шатир» этган овоз чиқармоқ; «шатир-шутур» қилмоқ. *Қуруқ ўтин шатирлаб ёна бошлади.* ▬ *Жимжит хонада тарновлардан тушаётган сувнинг шатирлаши эшитилиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *с.т. кўчма* Жадал ёки шиддат билан ҳаракат қилмоқ; шахдам одим отмоқ. *Қирқ йигит тўп бўлиб, шатирлаб, бирдан келиб қолди.* «Хушкелди».

ШАТИРЛАТМОҚ 1 Шатирламоқ 1 фл. орт. н. *Майнанинг тасаввурида кийиклар галаси пайдо бўлди. У тош, шағалларни шатирлатиб, ҳозир ёнбошидан югуриб келишини, улардан семизгинасини отиб олишни истади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Солдат, офицерлар эртаги жангга тайёргарликни кўраётганда — эрталаб ёмғир шатирлатиб турганди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

2 *кўчма* Бирор иш-ҳаракатни шошилинч равишда, жадал бажармоқ. *Олмаларни шатирлатиб узмоқ.* ▬ *Шатирлатиб кўксултонни қираётган Турғун жим бўлиб қолди.* Ойбек, Болалик.

ШАТИР-ШУТУР *тақл. с.* **1** «Шатир» ва шунга яқин товушни билдиради (*қ.* **ша-**

тир 1). *Ўрик шохлари шатир-шутур синиб тушди.* ▬ *Милтиқларнинг оғзидан чиққан оловдан чўчишдими, ҳайтовур, биздан уч-тўрт қадам наридан маккажўхорини шатир-шутур қийратиб,* [*тўнғиз*] *учиб ўтиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳозиргина яшнаб турган осмонни бир зумда қўрғошиндек булут ўрайди. Шатир-шутур ёмғир қуяди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *рвш.* Тезлик билан, ҳаш-паш дегунча. *Шатир-шутур иш қилмоқ. Хатни шатир-шутур ёзиб ташламоқ.*

ШАТМОҚ *шв.* Ўта кир, яғири чиққан. *Шатмоғи чиққан бола.* ▬ *Анови яланғоч шатмоқ бола энди бир мирини тангадан ажрата бошлаган чоғи, сочи бўйра-бўйра йигитча* [*Латифжон*]*нинг эса студентлик чоғи.* С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма.

ШАТРАНЖ [*а.* شطرنج < *санск.* «чатуранга»] **1** Шахматга ўхшаш қадимий ҳарбий ўйин. [*Навоий*] *Қип-қизил туркман гилами устида сочилиб ётган шатранж доналарини йиғиштирди.* Ойбек, Навоий. *У.. шатранж устида баъзан хонга ҳам ҳазил ташлашдан тоймайдиган чоллардан.* С. Сиёев, Аваз.

2 *айн.* **шахмат 1**.

ШАТТА 1 Тепиб бериладиган зарб; тепки, тарсаки, шапалоқ.

Шатта отмоқ Кейинги икки оёқ билан тепмоқ, тепинмоқ (от, мол ва ш.к. ҳақида). *Шу пайт от сўнани кўриб, шатта отди. Сидиқжон, худди от олиб қочадигандай, ваҳима билан ўзини эгарга отди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Қилмишига кўра бериладиган зарба, дашном, сазо, жазо. *Қосимхўжаев халқнинг шаттасига йўлиқмаслик учун.. паст кўчадан йўрғалашга мажбур бўлган.* «Муштум». *Қора Аҳмаднинг жиноятлари.. суднинг қаттиқ шаттасини тақозо этади.* К. Алиев, Безори ҳужумни шиддатлатди.

Шатта емоқ 1) тепки емоқ; тарсаки ёки шапалоқ емоқ; 2) сазо бўлмоқ, уялиб қолмоқ. *Шарму ҳаёсиз бўлсанг, ҳар ерда ерсан шатта. Маъқул, билимдон бўлсанг, иззат-ҳурматинг катта.* Мақол. ▬ *Бироқ Назирий гапига яраша шатта ейди.* К. Яшин, Ҳамза.

ШАТТАЛАМОҚ *айн.* **шатта отмоқ** *қ.* **шатта 1.** [*Майсара*:] *Ўғридан қочириб қўйдим, дейман. Лекин келиб бундоқ қуйруғингиздан ушласа, «моо» деб қўясиз-да, шатталайсиз!* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Ферма мудири ўчакишиб, бизни урмоқчи бўлган эди.. олдимиздан келса — суздик, орқамиздан келса — шатталадик.* «Муштум».

ШАФАҚ [*а.* شفق — тонготардаги ёки кунботишдаги ғира-шира пайт] Кун чиқиш ёки кун ботиш олдидан уфқда ҳосил бўладиган лоларанг қизиллик. *Уфқдаги бир жом олтин батамом ерга сингиб кетди, йироқ-йироқларда ловуллаб ёнган шафақ аста сўнди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Норининг икки соҳилида салқин тушиб келарди ҳозир. Кечки шафақнинг майин жилоси таралarди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ШАФАҚЛАНМОҚ Шафақ билан қопланмоқ, шафақ рангини олмоқ. *Осмон тез тинчиди. Бир неча вақтдан кейин ғарб тарафда осмон, худди кун ботиш вақтидаги каби, шафақланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ШАФЕ [*а.* شفيع — тарафини олувчи, ҳомий; воситачи] *эск.* Бировга ён босувчи, ҳомийлик қилувчи; ҳомий.

Анқога шафе *қ.* **анқо**.

ШАФИҚ [*а.* شفيق — раҳмдил, шафқатли] **1** *эск. кт.* Бировга меҳрибонлик қиладиган, шафқатли, мурувватли. *Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.* Алишер Навоий.

2 Шафиқ (эркаклар исми).

ШАФОАТ [*а.* شفاعت — тарафини олиш, (биров учун) воситачилик] **1** *кт.* Мартабаси ва ҳурмати юқори киши томонидан ўзидан паст кишиларни, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан ҳомийлик, яхшилик. *Шафоат қилмоқ.* ▬ [*Карим*:] *Шафоатингиздан ноумид қилманг, пирим!* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Бу бир азизнинг шафоати билан бўлган боғ.* «Ёдгор». *Балки ўзининг халққа қилаётган шафоатларида ҳам ўша азалий армон — яхшиликка интилиш ғояларининг таъсири бордир.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Шафоат (хотин-қизлар исми).

ШАФТОЛИ [*ф.* شفتالو] Иссиқ жойларда, жанубда ўсадиган, пушти гулли, узунчоқ баргли дарахт ва унинг меваси. *Оқ ўрик, шотут, шафтоли ва ғайнолининг сап-сариқ япроқлари ҳовли бетини кўмиб ётибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Муяссар шафтолининг тепасида.. Гулчеҳра эса.. шафтолиларга эта-

гини тутиб турибди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Шафтоли қоқмоқ Жуда совуқ емоқ, совуққа қотмоқ.

ШАФТОЛИЗОР Шафтоли экилган майдон. *Шафтолизор боғларни кўрдим. Гул кўкарган тоғларни кўрдим.* Ҳ. Олимжон.

ШАФТОЛИХЎР [*ф.* شفتالوخور – шафтоли еювчи] Қизилиштонлар оиласига мансуб, Марказий ва Жанубий Америкада яшовчи мевахўр йирик қуш.

ШАФТОЛИҚОҚИ Данагини олиб ташлаб қуритилган шафтоли.

ШАФФОФ [*а.* شفّاف – тиниқ; ҳарир; юпқа, нозик] Ёруғлик ёки нурни яхши ўтказадиган; тиниқ. *Шаффоф сув. Шаффоф шиша. Шаффоф май. Шаффоф қоғоз.* ▬ *Шишанинг энг ажойиб хусусияти – бу унинг шаффофлигидир.* «Фан ва турмуш». *Қалин ўрмон ичидан ёриб ўтган бир тутам нур оқ қайинни, гўё ичидан ёритгандай, шаффоф қилиб кўрсатар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Ниҳоятда мусаффо, тоза, тиниқ. *Осмон гумбази артилган шишадек шаффоф. Саратоннинг сахий қуёши гулшан диёр узра олтин сепини ёйган.* Ҳ. Тожибоев, Жасур қиз қишлоғида. *Унутиб бўларми, айтингиз-чи ўзи, Сут билан эмганинг шаффоф ҳавони?* Ж. Жабборов.

3 *кўчма* Гард-ғубор, ифлосликдан холи; пок, тоза. *Меҳри опанинг кўзидан тирқираб ёш, кўксидан сут келди. Уни.. тонгдай шаффоф, пок онанинг қалби бошлаб келди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.

ШАФҚАТ [*а.* شفقت – раҳмдиллик, ачиниш, ҳамдардлик; илтифот] Аяш, раҳм ҳисстуйғуси; шундай ҳис-туйғули муносабат. *Оға-инилар ўзларининг аҳиллиги, бир-бирига меҳри, шафқати билан ҳамманинг диққатини жалб этар, ҳавасини келтирар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кимки улуғроқ – анга хизмат керак, Кимки кичикроқ – анга шафқат керак.* Газетадан. *Бу гал ҳам унинг мўлтираб қараб туриши хотинида шафқат эмас, ғазаб қўзғатганига ишонмасди.* С. Аҳмад, Сайланма.

Шафқат қилмоқ Шафқатли муносабатда бўлмоқ, шафқат кўрсатмоқ; аямоқ. *Мана шундай от! Энг муҳими – душманга шафқат қилма.* К. Яшин, Ҳамза. *Амин бува: «Унга тушунтирсак.. халққа ачинар, шафқат қилар», деб ўйлаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАФҚАТЛИ Шафқат билан муносабатда бўладиган, шафқат қиладиган; раҳмдил, меҳрибон. *Оҳ, раҳмдил, шафқатли инсон ҳам бор экан-ку бу дунёда!* К. Яшин, Ҳамза. *Болаларнинг бахти учун камбағал эр билан бирга ишлаб, тиниб-тинчимаган.. шафқатли она*! Ойбек, Танланган асарлар.

ШАФҚАТСИЗ Шафқат билмайдиган, раҳм-шафқати йўқ; бировга ачинмайдиган, раҳм қилмайдиган, аямайдиган, раҳмсиз. *Ҳ. Олимжон шафқатсиз душманни аёвсиз кураш билан енгишга чақирди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Боёқиш йигит нима қилсин, шафқатсиз, беомон тақдир ёшлигидан қийноққа солди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ким у, нима у севги билан масъуд, севги билан хушнуд дилларни шафқатсиз нимталаган, қон тизғитиб тимдалаган?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАФҚАТСИЗЛИК Шафқатсиз муносабат, хатти-ҳаракат. *Мана сизга қонунбузар қонуншуносларнинг бир-бирига ҳомийлигию, жабрдийдаларга шафқатсизлиги.* «Муштум». *Актриса Зебуннисодаги бир дақиқали чақиндек ўтиб кетувчи дағаллик, жазава, шафқатсизлик каби хусусиятларни кўрсатишдан чўчимайди.* Газетадан.

ШАХДАМ Тез ва дадиллик билан қилинган; тетик, дадил. *Адолат эрининг юзларига қарашга ботинмай, боққа чиқадиган эшик томон юрди ва шахдам қадам ташлаб, далага жўнади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Тамара шахдам ҳаракат қилди, аёлнинг ёнбошига ўтиб, ёнидан юзига кўз қирини ташлади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Вазири аъзам йигитдек шахдам ўрнидан турди.* С. Сиёев, Аваз.

ШАХМАТ [*р.* шахматы < *ф.* شاه‌مات – шоҳ ўлди] **1** 64 та оқ ва қора катакли тахта ва 16 та оқ, 16 та қора доналардан иборат спорт ўйини қуроли. *Шахмат тахтаси. Шахмат доналари.* ▬ *У ишга келганида ҳам, кетаётганида ҳам қўлтиғида шахмат юрганидан чойхоначи бу лақабни унга ёпиштирган.* «Гулдаста».

2 Шу нарса (қурол) тахтасида унинг доналари билан муайян қоидалар асосида бўладиган спорт ўйини. *Шахмат мусобақаси. Шахмат бўйича ёшлар ўртасида республика чемпионати.* ▬ *Одамлар бўш вақтларида шахмат, домино ўйнайдиган скамей-*

кага ўтириб олиб, роса гаплашдик. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Мирмуродов дарсдан бўшаган пайтларда мудирга шахмат ўргатди.* «Гулдаста».

3 *кўчма* Шахмат тахтаси каби катак-катак қилиб экиш усули. *Шахмат усулида экилган майдон. Шахмат усулида экиш.* ▬ [*Комилжонларнинг*] *Оғзидан «шахмат», «квадрат», «илғор метод» деган гаплар тушмаяпти.* И. Раҳим, Ихлос.

ШАХМАТЧИ Шахмат ўйновчи киши. *Шахматчи қизлар.* ▬ *Бировлар овқатланмоқда, яна бировлар бильярд ўйнамоқда, шахматчи ва шашкачилар атрофи гавжум.* И. Раҳим, Ихлос. *Аҳмаджонов шахмат у ёқда турсин, шахматчилар билан чойни ҳам ўйлаб ичадиган одам.* «Гулдаста».

ШАХС [*а.* شخص – кимса, киши, зот] **1** Жамиятдаги алоҳида бир киши, одам. *Нотаниш шахс. Тарихий шахс Шахсга сиғиниш.* ▬ *Серхаражат тўйларнинг палак ёзишига асосий сабаблардан бири, бизнингча, нопок йўл билан пул топувчи шахслардир.* «Саодат».

2 *айн.* **шахсият**. *Кўп турли қобилиятларни ўз шахсида ғоят кўркам жам қилган.* Ойбек, Навоий. -*Ҳар нарса дейишинг мумкин, аммо ўзингдан катта одам шахсини ҳақорат қилишга ҳаққинг йўқ! – деди Умид, ўша икки ёноғи бўртиб чиққан одобсиз йигитга.* Мирмуҳсин, Умид.

3 *тлш.* Феъл ва от туркумига оид сўзнинг уч шахсдан бирини кўрсатувчи шакли ва шу шаклга хос маъно. Мас., *ўқидим*, *китобим* – 1-шахс, *ўқидинг*, *китобинг* – 2-шахс; шунингдек, олмошнинг шахсни билдирувчи тури: *мен* – биринчи шахс, *сен* – иккинчи шахс.

ШАХСАН [*а.* شخصاً – шахснинг ўзи] Ҳар бир шахснинг ўзи (ўзим, ўзинг, ўзи ва ш.к.). *Шахсан мен бунга қаршиман. Бу ҳақда сиз, шахсан, қандай фикрдасиз?* ▬ *Практикум, минимум, максимум – булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен, шахсан, шундай деб биламан.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

ШАХСИЙ [*а.* شخصى – шахсга оид, тегишли; субъектив; хусусий] Шахснинг ўзига тегишли бўлган, шу шахснинг ўзи фойдаланадиган; хусусий, ўз. *Шахсий мулк. Шахсий кутубхона. Шахсий жавобгарлик. Шахсий манфаатларни жамоат манфаатлари билан бирга қўшиб олиб бормоқ.* ▬ *Ҳар биримизнинг жамоат, давлат ишидан ташқари, шахсий юмушларимиз бор.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳар бир ёзувчининг меҳнатга, ҳаётга, оилага, кишиларга ўзининг шахсий муносабати бўлади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Шахсий таркиб Корхона, муассаса, ҳарбий қисм ва ш.к. да ишлайдиган, хизмат қиладиган кишилар таркиби. *Дивизиянинг шахсий таркиби. Бригаданинг шахсий таркиби.*

ШАХСИЯ [*а.* شخصيه – шахсий; хусусий]: **манфаати шахсия** *эск. кт.* Шахсий манфаат. -*Бас, айб қипчоқда эмас, балки ўзининг манфаати шахсияси йўлида иш кўрувчи бошлиқларида.. – деди [Ҳожи] ва ўрнидан турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШАХСИЯТ [*а.* شخصيّت – одам, киши; зот, инсон; ўзига хослик] **1** Ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турувчи муайян шахс; шахснинг ўзлигини белгиловчи томонлари, хусусиятлари мажмуи; ўзлик, ким эканлик. *Шахсияти номаълум одам.* ▬ *Санъаткорнинг ички дунёси мураккаб.. ижодий шахсияти алоҳида сезгир, ҳаётни тушуниш билан ўткирлашгандир.* Газетадан. *Бу тасвирлар орқали қисман авторнинг истеҳзоли, ақлли, ҳамма нарсага тўғри баҳо берувчи ва юморни сезувчи шахсияти ҳам гавдаланади.* «ЎТА». *Отахон шоирларимиз болалар қалби ва психологиясини, маънавиятини очиш орқали уларнинг бетакрор шахсиятини улуғладилар.* «Фан ва турмуш».

Шахсиятига тегмоқ Муайян шахснинг қадри, иззат-нафси ва б. жиҳатидан таҳқирловчи хатти-ҳаракат қилмоқ. *Ўртоқ Қўчқоров, бир бегуноҳ колхозчининг шахсиятига тегдингиз. Бунинг учун жавоб берасиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАХСИЯТПАРАСТ [*а. + ф.* شخصيّتپرست – ўзлигини, ўз шахсини севувчи] Ўз шахсиятини, қадр-қимматини бошқалардан юқори қўядиган; фақат ўз манфаатини ўйлаб иш тутадиган; худбин. *Бу шахсиятпараст ваҳшийлар фақат ўзларини ўйлайдилар.. шахсий ўчларини олсалар, шу бас!* К. Яшин, Ҳамза.

ШАХСИЯТПАРАСТЛИК 1 Фақат ўз манфаатини, шахсиятини кўзлаб иш тутиш. *Хуллас, ана шу шахсиятпарастлик, яна аниқроғи, молпарастлик томонларини ҳисобга олмаганда, Карим анча мулоҳазали, касбига*

пишиққина йигит эди. С. Кароматов, Олтин қум.

2 Шахсиятпараст эканлик. *У Санамнинг макрига учади, уйланмоқчи бўлади-ю, бу борада қизнинг ўта тантиқлиги, шахсиятпарастлигини сезиб қолади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ШАХТ 1 Бирор иш-ҳаракатни бажаришга интилиш, берилиш ҳолати, даражаси. *Мамат полвон, дейман, ютқизган кишидай шахтингиз паст.* С. Анорбоев, Меҳр. *Ҳозир 10-бригадада ўзи машина ҳайдаяпти. Шахти дуруст.* «Қаҳрамоннома». *Унинг шахтин буколмас На иссиқ ва на совуқ.* Қ. Муҳаммадий. *Сен ўзинг ҳам ойнага қара-чи, қирчиллама шахтинг қолмаган..* Шукрулло, Умрим борича. *Дайди шамол энди шахтидан қайтиб, дарахт япроқларини машаққат билан тебратмоқда.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ҳайдар тезда шахтидан тушди, атрофга қайғули ва паришон боқди.* Ойбек, Навоий.

2 *рвш.* Бирдан, шартта, дадил. [*Умарқул*] *Бир минутлар чамаси ётиб қолди. Бирданига юраги ҳовлиқиб, шахт ўрнидан туриб, йўлга тушди.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Наимий.. нима бўлса бўлди, дегандай шахт кўтарди, лекин қўли қалтираб, винонинг ярми тўкилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ғофир машинадан шахт тушиб, катта кўк дарвозага яқинлашди ва кнопкани босди.* Қ. Мақсумов, Муҳаббат қўшиғи.

ШАХТА [*нем.* Schacht – нов, тарнов; чуқур, ўра; кон] Ер остидаги фойдали қазилмалар қазиб олинадиган жой; кон. *Тошкўмир шахтаси. Шахта ускуналари.* ▬ *Шахталарда шахтёр шиддаткор.. Бошда каска – аскарий тахлит. Гард-қурумга беланиб, бедор.. Кўмирларни қулатар яхлит!* Ё. Мирзо.

ШАХТАЧИ *с.т.* Шахтёр.

ШАХТЁР Шахтада ишлайдиган шахс; кончи. *Шахтёрлар шаҳарчаси.* ▬ *Шахтёрман, ер таги коним, маконим.* М. Шайхзода. *Саидийни рабфакда [ишчилар факультетида] ўқийдиган қўпол, йўғон гавдали, новча бир шахтёрга боғлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ШАХТЁРЛИК Шахтёр касби, шахтёр эканлик. *Ҳамма ёғим куя ва қурум, Шахтёрликнинг ажиб гашти бор. Пахта, ғалла, пўлат сингари, Она юртга кўмир ҳам даркор.* Ё. Мирзо.

ШАША [*а.* شاش / شاشه – юпқа, юмшоқ газлама; дока] Сийрак тўқилган, сийрак (юпқа мато ҳақида). *Шаша дока.*

ШАШВАР *айн.* **шашпар**. *Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни огоҳлантириб борар, милтиқ, шашвар тутган ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШАШКА I [*р.* шашки – «шах» «шахи» с. дан «шахмат(ы)» қолипида ясалган сўз] 64 та оқ ва қора катакли тахтада 12 та оқ ва 12 та қора доналар билан маълум қоидага мувофиқ ўйналадиган ўйин. *Шашка тахтаси. Шашка донаси. Шашка ўйнамоқ.*

Халқаро шашка 100 катакли тахтада ўйналадиган шашка тури.

ШАШКА II [*р.*] *махс.* Пресслаб тайёрланган портловчи моддадан иборат тахтача, плитка. *Портловчи шашка.*

ШАШКАЧИ Шашка ўйнайдиган одам. *Бировлар овқатланмоқда, яна бировлар бильярд ўйнамоқда, шахматчи ва шашкачилар атрофи гавжум.* И. Раҳим, Ихлос.

ШАШЛИК *с.т.* Кабоб.

ШАШМАҚОМ [*ф.* شش – олти + мақом I **1, 2**] *мус.* Ўзбек ва тожик халқлари мусиқий меросида марказий ўрин тутган мақомлар туркуми; парда, оҳанг, усул, шакл, услуб каби воситалар билан ўзаро узвий боғланган, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Рост, Ироқ мақомларидан ташкил топган мумтоз куй ва ашулалар мажмуи. *Классик мусиқамиз мероси – шашмақомни тўла грампластинкага ёзиб олиш, шубҳасиз, ғоят мураккаб иш.* С. Кароматов, Классик меросимиз – халққа. *Юсуфжон қизиқ шашмақомларни, яъни йилнинг тўрт фаслига мосланган поэмаларни ҳам яхши биларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ШАШПАР [*ф.* ششپر – олти учли (қиррали) чўқмор, гурзи] *тар.* Учига юмалоқ ва ғадир-будур темир ўрнатилган таёқ, узун дастали енгил гурзи, чўқмор. *Бочков.. қўлидаги.. шашпар билан қилич ўйнатиб турган қароқчининг калласига туширди.* М. Осим, Элчилар.

ШАШТ *с.т.* Шахт. [*Маҳкам*] *Чоршанба куни барвақт туриб, ясаган асбобларини кўтариб, тақачиликка – бозорга отланганида, Аҳмад ака «гўдаклик қилма», деб койиб бермоқчи ҳам бўлди-ю, ўғлининг шаштини қайтаришни истамади, ётиғи билан гапирди.*

Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *-Энди уйингизга машина юбормоқчи бўлиб турган эдим, — деди сал шаштидан тушиб Назира.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси. *Юсуповнинг шашти паст, ранглари бир ҳолда эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Мударрисов қўлидаги ручкани шашт билан столга уриб, уни тинчитган бўлди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ШАШҚАТОР [*ф.* شش — олти + *а.* قطار — саф, ёнма-ён туриш] Тинмай оқадиган, дув-дув тўкилиб турадиган; қатор-қатор (кўз ёши ҳақида). *Ошнолардин кечиб, бегоналарга ёр-ёр, Бу аламларга чидолмай, кўз ёшимдур шашқатор.* Муқимий. *Дилдорнинг кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетди. Унинг бир неча томчиси хатга тушди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ШАШҚОЛ [*ф.* ششقال] Текис ерга ташлаб ўйналадиган, куб шаклидаги, холли тош; кубик. *Қаландар уни кўрса ҳам, ўзини кўрмасликка солди, кичикроқ халтадан икки-уч қулоч арқон, кўк рўмол, қиморбозларнинг шашқолига ўхшаш тошларни олди.* «Шарқ юлдузи».

ШАЪБОН [*а.* شعبان] Қамария йили ҳисобида 29 кундан иборат саккизинчи ойнинг номи. *Меъмор раислигида барча усталарни тўплаб, ишни яна ҳам тезлатиш ва шаъбон ойигача қурилишни тамомлаб, рамазонга хурсандчилик билан киришни таъкидлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ШАЪН [*а.* شأن — иш; алоқа, муносабат; қадр-қиммат, обрў; аҳамият; манфаат] **1** Инсонга, шахсга тегишли бўлган қадр-эътибор. *Албатта, у ўз устидаги гап билан қорига таъна қилиши шаънига ҳеч ярашмайдиган бир ҳодиса бўлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Бекор гап, — деди Ўзбек ойим, — ҳали қудаларимизни муддаодагидек сийлай олганимиз йўқ, шу ҳолда жўнатсак, бизнинг шаънимизга яхши эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..ўз ҳузурида улуғ истеъдод эгаси бўлган бир ҳаким ўтирганини пайқади ва унинг шаънига муносиб муомала қилиб, ҳол-аҳвол сўради.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Шараф, шуҳрат; обрў. *«Сиз нашъу намо қилган жойда мени ҳалокат кутадир!» жумласи ва бу хитобдан кўз юмиш йигитлик шаънига ярашадурган кўринмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Сиз батальонимизнинг шаъни, — деди комбат ҳаяжон билан, — полкимизнинг обрўси.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ШАҚ *тақл.с.* Қаттиқ урилишдан ҳосил бўладиган овозни билдиради. *Қулф шақ этиб бекилди.* ▬ *Йўлчи бир сакрашда зўравоннинг олдига борди, тўппонча тутган қўлни маҳкам сиқиб, орқага қайирди. Тўппонча шақ этиб ерга тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ота писмиқ югуриб келиб, бошимга шақ этиб уриб қўйди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШАҚАЛ [*ф.* شغال — чиябўри] *айн.* **чиябўри**. *Тўқай томонда эса шақаллар машъум улишарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Тулки, шақал еб кетади гўшингни, Шакарни куйдирди сенинг нолишинг.* «Ширин билан Шакар».

ШАҚАТУЛ *с.т.* Ўйлаб, мулоҳаза юритиб иш тутмайдиган, ҳавойи, ҳовлиқма. *Шақатул одам.* ▬ *Шаҳарнинг эндиги куни шундай энтак-тентак, шақатулларга қолдими?* «Муштум».

ШАҚАШУЛДУР *с.т.* Оқ кўнгил, кўнгли очиқ, дали-ғули. *-Э, овораси бор эканми? — шақашулдур йигит йўл-йўлакай аёлга гап бермай, бирталай нарсаларни гапириб берди.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

ШАҚИЛДОҚ 1 *айн.* **шиқилдоқ**. *Чақалоқнинг шақилдоғи.*

2 *эск.* Тунги қоровулнинг кескин силкитганда шақиллаб овоз чиқарадиган, ичи ўйиқ ёғоч асбоби. [*Йўлчига*] *Ҳуштак, шақилдоқ чалган танҳо қоровул кўлкалари унда-мунда учраб қолар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ухлаб қолган миршаб ҳам негадир уйғониб кетиб, яна шақилдоғини шақиллата бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *кўчма* Қаттиқ-қаттиқ овоз билан, «шақиллаб» гапирадиган. *Эртасига улар уруғларидаги Саври шақилдоқ деган хотинни айтиб келиб, кинна солдиришди.* Мирмуҳсин, Умид. *-Қоч, дейман, аблаҳ, қоч! Нақ бўйнингни узаман, — деб ўшқирди амакиси. -Қоч, яшамагур, қоч! — деб такрорлади шақилдоқ келинойиси.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШАҚИЛЛАМОҚ 1 «Шақ-шақ», «шақир-шақир» этган овоз чиқармоқ. *Қовжироқ кўкнорилар худди пуч ёнғоқдай шақиллади.* О. Ёқубов, Ларза. *Эшон унга ўқрайиб қарадию, овози чиқмасданоқ, эшик зулфини шақиллаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тозагул шақиллаб қайнаб турган мис самоварни кўтариб кирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Қаттиқ-қаттиқ овоз чиқариб гапирмоқ. *Ойжамол айтди: -У эшонингизни гапирманг. Жағи қурушиб қолган, шақиллаб,*

ҳеч кимга гап бермайдиган бало эди-да. «Ёдгор». *Хотинининг шақиллашини трубкада эшитди-ю, унга атаб йиғиб қўйган яхши гаплари тариқдай сочилиб кетди.* С. Нуров, Нарвон.

ШАҚИРЛАМОҚ *айн.* **шақилламоқ 1**. *Қўйларнинг туёқларига, жунига ёпишган лой музлаб, ёнғоқдай шақирлаб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ошхонада сариқ самовар шақирлаб қайнаб турибди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ШАҚИР-ШУҚУР 1 «Шақир» ва шунга яқин товушни билдиради. *Ҳамма ёқни темирнинг шақир-шуқур садоси қоплади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *-Худди келишиб қўйилгандай, бир юк поезд шақир-шуқур қилиб ўрнидан қўзғалди, — деди Усмон.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.

2 Ҳар хил майда-чуйда нарсалар; қақир-қуқур, лаш-луш. *Шунча шақир-шуқурларни йиғиб нима қиласиз?*

ШАҚШАҚ *зоол.* Чумчуқсимонлар туркумига мансуб ёввойи сайроқи қуш.

ШАҚШАҚАДОР *с.т.* Турли-туман безакли, зийнатли, ҳашаматли, ҳашамдор. *Дилшод янги саройни илгари ҳам бир неча бор кўрган эди. Шунинг учун унинг дабдабасига, қўшқават шақшақадор биносига, ҳамиша қулфлоғлиқ турадиган баланд темир дарвозасига энсаси қотмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАҚ-ШУҚ «Шақ» ва шунга яқин товушни билдиради. *Шақ-шуқ чўт қоқилади.* ▬ *Яроғ-аслаҳаларнинг шақ-шуқ этгани эшитилди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Метро вагончаларининг шақ-шуқига қулоқ солиб бораркан, миясида турли-туман фикрлар ғужғон ўйнарди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ШАҒАЛ I **1** Майда тош қатлами ёки уюми. *Қудуқ уч метр ковланганда, шағал чиқди. Шағал қазимоқ.* ▬ *Шағал тўкилган янги йўлда пахта ортган юк машинаси тўхтади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Қурилиш материали сифатида ишлатиладиган чақилган тош. *Дилшод завод саҳнида.. пала-партиш ётган ёғочлар, қурилиш ахлатлари, цемент, шағал, харсангтошлар орасида адашиб қолишдан қўрққандек, бир четда анграйиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАҒАЛ II: **шағал маст** *фольк.* Кайфи баланд, ғирт маст. *Бойсарибий бойваччалар билан қимиз ичиб, шағал маст бўлиб, кайф-сафо суриб ўтириб эди.* «Алпомиш».

ШАҒИЛЛАМОҚ «Шағ-шағ» товуш чиқармоқ; вағирламоқ. *Шағиллайди бетиним дарё, Шағиллайди ваҳм тўлган жар.. Шағиллайди водий, даралар.* Ҳ. Олимжон. *Саёз дарё шағиллайди, деганларича бор экан.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ШАҲ [*ф.* شه — шоҳ, ҳукмдор, подшо] **1** *поэт.* Шоҳ, подшо. *Э шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини.* Огаҳий.

2 Шахмат ўйинида бирор фигура билан бевосита рақибнинг шоҳига қилинган ҳужум, шу ҳужумни қайд этувчи сўз. *Доимий шаҳ. Шаҳ бермоқ. Икки шаҳ билан мот қилмоқ.*

ШАҲАНШОҲ [*ф.* شهنشاه — шоҳларнинг шоҳи] *айн.* **шоҳаншоҳ**. *Отам шаҳаншоҳдир, жаҳонда султон, Қулоқ солиб тингланг буни, бегу хон.* «Баҳром ва Гуландом». *Бу ишдан Эрон шаҳаншоҳи ютаётгани, дўстлари кўпаётганини таъкидлади.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ШАҲАР [*ф.* شهر — шаҳар; мамлакат] Аҳолиси, асосан, саноат, савдо, шунингдек, хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан ва маданият соҳаларида банд бўлган йирик маъмурий, маданий аҳоли манзилгоҳи. *Марказий шаҳар. Янги шаҳар. Қаҳрамон шаҳар.* ▬ *Деворда осиғлиқ Кавказ харитасидаги шаҳарларнинг номларини санаб чиқдим.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Тўрхалталарни кўтариб, автобусга ўтиришди-да, шаҳарнинг шимоли-шарқ массивига бориб тушишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Шаҳар бермоқ Топишмоқ ўйинида: топа олмаганликни ва топишмоқ айтганнинг ўзи айтиб беришини қайд этувчи ибора.

ШАҲАРЛАШМОҚ 1 Шаҳарлик бўлиб қолмоқ. [*Умурзоқбой*] *Юртнинг ўрта қисм деҳқонидан чиқиб, шаҳарлашган бойлардан, Тўлахоннинг отасидир.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 *с.т.* Шаҳар айланмоқ, шаҳарни кезиб чиқмоқ, шаҳарни сайр этмоқ. *Агар вақтингиз бўлса, бир шаҳарлашиб келардик.*

ШАҲАРЛИК Шаҳарда яшовчи, шаҳарда истиқомат қилувчи; шаҳар кишиси, одами. *Болалар шаҳарлик меҳмонлар билан саломлашиб, бир тутам бойчечакни Малоҳатга тутдилар.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Отаси — шаҳарлик бир косиб, деҳқонларча таъ-*

бир қилганда, «сояпарвар» бир одам. А. Қодирий, Обид кетмон. *Сен жуда шаҳарлик бўлиб кетибсан! Шаҳардан кейин қишлоғимиз ёқмай қолдими?* Уйғун, Навбаҳор.

ШАҲАРНАМО [*ф.* شهرنما – шаҳарга ўхшаш] Шаҳарга ўхшаш, шаҳар каби. *Водийларимиздаги шаҳарнамо посёлкалар кўркидан илҳомланамиз.* Газетадан.

ШАҲАРСОЗ [*ф.* شهرساز – шаҳар қурувчи] Шаҳар қурилиши бўйича мутахассис, шаҳар қурувчи. *Яқинда Навоийда бўлиб ўтган шахарсозларнинг умумреспублика конференцияси даштда қурилган янги шаҳарга юксак баҳо берди.* Газетадан.

ШАҲА́РЧА I Шаҳарликларга хос. *Боғ бурчагидаги сўрида шаҳарча кийинган бир йигит ўтирибди.* А. Муқимов. Донишманд.

ШАҲАРЧА́ II **1** Кичик шаҳар. *Туғанмас каби кўринган, изтиробли, суронли йўл кечга яқин шаҳарчага туташди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Бирор жиҳатдан бирлашган тураржой ва ёрдамчи бинолар гуруҳи ёки шаҳарнинг алоҳида бир қисми. *Академик шаҳарча. Университет шаҳарчаси. Ишчилар шаҳарчаси.* ▬ *Шербек турган жой баланд бўлгани учун ҳам бутун Академия шаҳарчаси кафтдай кўринади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАҲАРЧИЛИК 1 Шаҳарга хос ҳаёт. *Бир ёғи шаҳарчилик, яхши кийиниш керак.*

2 *салб.* Ўз ҳамшаҳарларини қўллаб-қувватлаш, ҳамшаҳарларига ён босиш. *Шаҳарчилик қилмоқ.*

ШАҲБОЗ [*ф.* شهباز / شاهباز – сариқбош лочин] **1** *кт.* Шунқор; лочин. *Улар* [*савдогарлар*] *Россиядан ўқ ўтмас, найза ботмас совут, қалқон, қозон, игна, овга ўргатилган шаҳбоз-лочинлар ва ҳоказолар келтирар эдилар.* М. Осим, Элчилар. *Бири кўкда шунқор ё шаҳбоз-лочин, Бири чегарада юрт посбони.* С. Абдулла.

2 *кўчма* Мард, жасур йигит. *Табассум этди ул ой юз, деди: -Аё шаҳбоз! Маҳоратинг ҳақи, мен ўзни меҳрибон қилдим!* С. Абдулла. *Омон-эсон бўлгин, болам, Авазим, Муродим, мақсадим, туйғун шаҳбозим.* «Хушкелди».

ШАҲВАТ 1 [*а.* شهوت – кучли истак; ҳирс, эҳтирос] Эркаклар жинсий безидан ажраладиган суюқлик: сперматозоид ва уруғ суюқлигидан иборат.

2 Шаҳвоний ҳирс, ҳиссиёт. *Шаҳватга берилмоқ.* ▬ *Муҳаббатнинг кўзига кўзи тушганда, вужудида уйғонган ғалаёнини аниқ эслади: ҳайвоний ҳирс, шаҳват қонини қиздирган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАҲВАТПАРАСТ [*а.* + *ф.* شهوتپرست – шаҳватни яхши кўрувчи] Шаҳватга берилган, шаҳвоний ҳисси кучли (*қ.* **шаҳват 2**). *Шаҳватпараст эркак.*

ШАҲВОНИЙ [*а.* شهوانی – ҳирсли, эҳтиросли; шаҳватпараст] Шаҳват ва шаҳватпарастликка оид, шаҳват билан боғланган. *Шаҳвоний ишқ. Шаҳвоний ҳисга берилмоқ.* ▬ *Раҳматилла Обидий ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, жуда-жуда хунук бир шаҳвоний жиноят қилиб қўйиб, беш йилга кесилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Унда эркакларни ўзига тортадиган шаҳвоний куч, сирли бир жозиба мужассам эди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ШАҲД [*а.* شهد – мум аралаш асал] *эск. кт. айн.* **асал**.

ШАҲД-ШАКАР, **шаҳду шакар** Ниҳоятда ширин, тотли. *Шаҳд-шакар лаб. Шаҳду шакар мевалар.* ▬ *Ойжамол қизим, йўл бўлсин? Айтгил, эрка қўзим, йўл бўлсин? Қайга бунча шошиб борасан, Шаҳду шакар сўзим, йўл бўлсин?* Ё. Мирзо.

ШАҲЗОДА [*ф.* شاهزاده – шоҳнинг фарзанди, ўғли] **1** Шоҳнинг ўғли, шоҳ насли. *Мана улар Самарқанднинг муҳташам кошонасига кўчиб келишди. Бу ерда қанча асилзодаю шаҳзодалар яшаган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Шаҳзода (хотин-қизлар исми).

ШАҲИД [*а.* شهيد – урушда ўлган, ўлдирилган; азият чекувчи] **1** Дин ёки мазҳаб йўлида ва б. айрим (ҳадисларда белгиланган) ҳолатларда ҳалок бўлган шахс. [*Салоҳиддин:*] *Жангда ўлган – шаҳид, ўлдирган – ғозий, буни мусулмонларга айтиш керак.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Тирик бўлсалар, ғозий бўлиб келарлар, агар тангрининг буйруғи билан ажаллари етган бўлса, шаҳид бўларлар.* С. Айний, Қуллар.

2 Ватан уруши учун ёки ҳаққоният йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган одам. *Шаҳид дўстлари абадий маконда бемалол ётишлари учун [Бектемир] чуқурни кенг қазишга уринди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ким бўлди бу Арғинбоев? Эҳтимол, қаҳрамонларча ҳалок бўлган, Ватан урушининг шаҳидлари – мард лочинлардан биридир?* Газетадан.

ШАҲЛО [*а.* شهلاء – кўк, мовий кўзли] **1** Порлаб, ёниб турадиган катта-катта, чиройли ва қора (кўз ҳақида). [*Кумушнинг*] *Камон қошлари ортиқ мавж уриб, ўзини кўрсатган, бир оз бота тушган шаҳло кўзлар тағин ҳам тим қоралик, тағин ҳам нурлилик касб этган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Зарофатнинг келишган қомати.. пир-пир ўйнаб турадиган шаҳло кўзлари Ҳайдарни мафтун қилган эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Шаҳло (хотин-қизлар исми).

ШАҲНОЗ [*ф.* شهناز – мумтоз мусиқадаги куй номи] **1** *мус.* Ўзбек халқ мумтоз куйларидан бирининг номи. *Дуч бўлур ҳали талай Шўх ўланлар, шаҳнозлар.* Миртемир.

2 Шаҳноз (хотин-қизлар исми).

ШАҲОДАТ [*а.* شهادت – гувоҳлик; ёзма гувоҳнома, диплом, аттестат; калимаи шаҳодат] **1** *кт.* Содир бўлган у ёки бу ҳодиса юзасидан бериладиган гувоҳлик, шоҳидлик. *Шаҳодат бермоқ.* ▬ *Эътимодлик бир кишининг шаҳодатига биноан, тошкентлик Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек, бу кунда хонимизга қарши бош кўтарган Азиз парвоначи ва ўз отасининг ваколатлари билан келиб, бу ердаги фуқароларни ҳам хон жанобига қарши оёқлантирмоқчи бўлган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Айвоннинг палос ва асбобларида унча бойлик кўрилмаса ҳам, пухта, озода, чирк юқтирилмаган йўсинда йиғиштирилганлигидан, эгасининг ринд табиатли эканига шаҳодат бермакда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Калимаи шаҳодат [*л.м.* гувоҳлик калимаси, сўзлари] Ислом динидаги 5 асосий рукннинг бири: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир» (Ло илоҳа иллоллоҳ ва Муҳаммадун расулуллоҳ) калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқ этишдан иборат. **Шаҳодат бармоғи** *эск.* Кўрсаткич бармоқ. *Феруза пишиллаб, унга шаҳодат бармоғини ўқталди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Шаҳодат (хотин-қизлар исми).

ШАҲОДАТНОМА [шаҳодат + нома] **1** Бирор ўқув юртини тамомлаганлик ҳақидаги расмий ҳужжат; гувоҳнома. [*Мирғиёс*:] *Шаҳодатномамни оламан-у, уйга жўнайман.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *..ўқувчилар слётида шаҳодатнома олган 2000 дан ортиқ ёшнинг 1600 га яқини ишлаб чиқаришда қолиш истагини билдирди.* Газетадан.

2 Бирор фактни, бўлиб ўтган воқеа ёки ҳолатни тасдиқлайдиган расмий ҳужжат; гувоҳнома. *Мудира никоҳ шаҳодатномасини тантанали вазиятда тўлдириб, аввал Ферузага, кейин Норқўзига ручка тутиб, қўл қўйдирди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш – шудир буюкликка шаҳодатнома.* Шукрулло.

ШАҲР [*ф.* شهر – шаҳар; мамлакат] *айн.* **шаҳар**. *Чирчиқ шаҳри. Шаҳримиз меҳмонлари.*

ШАҲРИСТОН [*ф.* شهرستان – мустаҳкамланган шаҳар маркази] *тар.* Шарқда ўрта асрларда шаҳарларнинг мудофаа деворлари билан қуршалган асосий қисми, маркази. *Кўпгина шаҳарлар қулдорчилик давридаги шаҳарлар ўрнида қад кўтаради.. буларда арклар, қалъалар, шаҳристонлар энди асосий роль ўйнамайди.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиши тарихидан.

ШАҲСУВОР [*ф.* شهسوار < شه – шоҳ + سوار – отлиқ] **1** Ҳашаматли ва дабдабали отлиқ, моҳир чавандоз.

2 *поэт.* Паҳлавон; баҳодир (севимли ёр, маҳбубга нисбатан). *Келар бўлсанг, кел, бахтингдан ўргилай, шаҳсуворим.* Э. Охунова.

ШВЕД 1 Швеция асосий халқининг номи. *Швед халқи. Швед миллати.*

2 Шу халқ, миллатга тегишли, мансуб. *Швед тили.*

ШВЕДЛАР Швециянинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ.

ШВЕЙЦАР [*нем.* Schweizer – швейцариялик; француз қиролларини қўриқлаган швейцариялик солдат] Меҳмонхона, ресторан, муассаса ва ш.к. ларнинг кираверишида қоровуллик қилувчи шахс. *Бироқ, мен швейцар эмасманки, тўғри келган кишининг пальтосини ечиб, қўлига сув қуяверсам.* «Муштум».

ШЕВА I [*ф.* شيوه – усул, тарз; услуб; одат; одатланганлик] **1** *тлш.* Умумхалқ тилининг маълум ҳудудга хос тармоғи, маҳаллий тил. *Ўзбек тилининг Фарғона шеваси.* ▬ *Турли шаҳар ва қишлоқлардан келганликлари турлича кийим ва шеваларидан билиниб турган ёш-ёш йигит-қизлар конференцзалнинг ичи-сиртини тўлдириб юборган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ўз қавмлари ва асл ўзбеклар бўлмиш қамишкапаликларни [домла] дағал ном билан таҳқир қилар ва уларнинг*

шаҳарликларникидан анчайин фарқли бўлган шева тилларини масхаралар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **тил 3**. *Ўзбек шевасида шеър ўқиларкан, Қалбларнинг қаърида ҳислар уйғонар. Ватан мақтовлари кириб қулоққа, Зал чайқалар — одам тўпи тўлғанар.* С. Акбарий. *«Афанди» демак — турк шевасида «муаллим» демакдир.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 *кам қўлл.* Сўз. *Сени ҳам домига тортмоқ бўлади Севги деб аталган бу эски шева.* Ғ. Ғулом. *Бош эгиб тонглардан тонглargача то Виждон шевасига ташбиҳ излаймиз.* Р. Парфи.

ШЕВА II [*ф.* شیوه — ўйноқилик, нозкарашма] *кт.* **1** Ноз-карашма, ишва. *Бир шева билан жонон девона қилиб кетди, Ақлимни сочиб ҳар ён, мастона қилиб кетди.* Ҳамза. *Бир қиз келди шева билан, Неча ғамза, жилва билан.* «Нурали».

2 Одат, равиш, йўсин; қонун-қоида, йўл-йўриқ. *Камтаринликни, Ҳабибий, шева қил, Ҳам мулойим бўл момиқ парқу каби.* Ҳабибий. *Чархи кажрафторнинг бир шевасидан доғмен: Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур.* Фурқат.

ШЕВИОТ [*ингл.* cheviot < Шотландиядаги майин юнгли қўйлар зоти етиштирилган Шевиот тепаликлари (Cheviot hills) номидан] Жун толалари ёки аралаш толалар (жун, пахта ва б.) дан тўқиладиган майин, қалин, сал тукли газлама. *Шевиот костюм.* ▬ *Очил бувага қараганда у [Азимжон] бошқа бир олам: ғарчли, ялтироқ этик, шевиот шим, ипак кўйлак.. ҳаммаси бежирим, ҳаммаси нафис, тахи бузилмаган.* А. Мухтор, Чинор.

ШЕВРО [*фр.* chevreau — эчкича] Эчки терисидан хром билан ошлаб ишланган юмшоқ юпқа чарм; шаброн.

ШЕЗЛОНГ [*фр.* chaise longue — узун, узунчоқ курси] Ярим ётган ҳолда дам олиш учун мўлжалланган, очиб-ёпиладиган енгил кресло. *Обиджон билан Ҳожар киради, шезлонгга ўтиришади.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ШЕЙПИНГ [*ингл.* body shaping — танага муайян шакл бериш] Хотин-қизлар қадди-қоматини махсус жисмоний машқлар, парҳез, массаж ва ш.к. ёрдамида яхшилаш, мукаммал, бекам-кўст қилиш тизими.

ШЕКЕЛ Исроил давлатининг асосий пул бирлиги.

ШЕКИЛ [*а.* شكل — кўриниш, усул; ўхшаш, ўхшашлик; мисоли] *с.т.* Шекилли. *Бойнинг йиғлаб келишини уй ичлари эшитиб, улар ҳам, «бир бало бўлди шекил», деб уйдан йиғлаб чиқа бошладилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ШЕКИЛЛИ *мод. с.* Фикрнинг гумон, тахмин ёки тусмол билан айтилганини билдиради; балки, эҳтимол, ..бўлса керак. *Мажлис бўлишини эшитмаган шекилли, у келмади.* ▬ *Мастура эса менга бир қаради-ю, танимади шекилли, индамади.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. -*Мен дадангизни оз-моз биламан, — деди Ойқиз, — Олтинсойга яқинда келдинглар, шекилли?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кинога олишаяпти, шекилли.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ШЕЛУХА [*қад.р.* шелуха — балиқ тангаси] Мағзи ажратиб олинган чигит; чигит пўчоғи (одатда молларга ем сифатида берилади). *Фарғонадаги собиқ «Гидролиз» заводи илгаридан шелухадан спирт ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келарди.* Газетадан. *Бу ерда шелухага ачитқи қўшилиб.. молларга берилмоқда.* Газетадан.

ШЕР [*ф.* شیر — арслон; ботир, жасур; асад] **1** Мушуксимонлар оиласига мансуб, калта ва сарғиш юнгли (эркаклари эса қалин ёлли) йирик сутэмизувчи йиртқич ҳайвон; арслон. *Овчининг зўри шер отади, Деҳқоннинг зўри ер очади.* Мақол. *Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.* Мақол. ▬ *Булар [уч оғайни ботирлар] тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор эди.* «Эртаклар».

2 *кўчма* Шахсни шерга нисбатлаб атайди («азамат», «ботир» «полвон» маъносида). *Бу ҳужжатни бутун районга тарқатмоқчимиз, шер, обрўйинг ошиб, чўққига кўтарилаётганингни биласанми?* И. Раҳим, Ихлос. -*Балли, шер, хатни қўлингиздан ким олди?* -*Бир чол.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёппа ёвлик отга мининг, шерларим.* «Юсуф ва Аҳмад». *Фиғон қилган бунда шерлар, Йўлбарс, қоплон, бунда эрлар..* «Баҳром ва Гуландом».

Шер бўлмоқ *айн.* **шерланмоқ**. *Ичкиликнинг зўридан шер бўлиб кетган Язтурди энди кўча ҳаракати қоидасини унутиб қўйган эди.* Газетадан. *Балли, азамат, бугун жанг вақтида шер бўлиб кетдинг.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ШЕРАНДОМ [*ф.* شیراندام — шер қоматли] Қадди-қомати шерга ўхшаган; шер-

тахлит. *Шерандом бўйли қиличбознинг [Ҳусайн Бойқаронинг] бир вақтлар баҳодирона жуссаси жуда заифлашган эди.* Ойбек, Навоий.

ШЕРБАЧЧА [*ф.* شیربچه – шер боласи] *с.т.* Қўрқмас, бақувват йигит; азамат; шоввоз. [*Майсара*:] *Икки шербачча икки ёнимда бўлгандан сўнг очликдан қўрқармумен.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Шу орада Бухоро амири шербаччалари кийимида иккинчи отлиқ етиб келади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

ШЕРЕНГА [*р.* < *пол.* szereg – саф, қатор < *т.* черик – қўшин] Кишиларнинг бир қаторда ёнма-ён туриши, саф. *Қаторлар-ла, Бригадалар-ла, Шеренгалар-ла, илгари!* Ғ. Ғулом.

ШЕРЗОД [*ф.* شیرزاد – шер боласи, насли] **1** Жасур, азамат одам. *Дала гўзал. Унинг бағрида фидокорлик кўрсатаётган шерзодларнинг нияти ундан ҳам гўзал.* Газетадан.

2 Шерзод (эркаклар исми).

ШЕРИК [*а.* شریك – бирга қатнашувчи, иштирокчи] **1** Бирор иш-ҳаракатни бирга бажарувчи; ҳамкор. *Аҳмаджон шериги билан гранаталарни чоғлаб, ҳаёт-мамот пайтини кутиб туришди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. [*Қодирқул:*] *Жим, аҳмоқ! Бойнинг бултур кузак бир қашқа оти йўқолган. Икки минг сўм пули саройдан ўғирланган. Шуларни ҳам сен ўғирлагансан. Гапир, шерикларинг кимлар?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Дўсматов тупроқни канал ўзанидан чеккага отиб берар, шериги эса нарига итарарди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Тенг шерик *қ.* **тенг**. *Жанг йиллари икки ҳамхона Бир майизга эди тенг шерик.* З. Обидов, Яхши ният. **Шерикмисан, ҳаммолмисан?** Бирор ишни бирга амалга оширишдан манфаатдор бўлган киши ёрдамлашмай қўйганда айтиладиган ҳазиломуз матал. *Э, шерикмисан, ҳаммолмисан? Пуфласанг-чи!* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Ўзаро бирга бўлган шахс, бирга ҳолатдаги шахс (бирга турган, бирга юрган ва ҳ.к.). *Икки кишилик палатага жойлашдик. Шеригим бетлари қип-қизил, ўсиқ қошларига битта-иккита оқ тушган.. бир киши эди.* Н. Аминов, Қалтис ҳазил. *Узунроғи тўхтади, шериги югургилаб келди..* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор жиҳатдан, қайсидир жиҳат билан ўзаро бирга (биргаликда) бўлган икки шахс ёки шахслар; оғайни, дўст ва ш.к. шахслар. *Равшан тушликда шўрвага навбат олди. Шериклари тандирдан янги узилган сомсани столга уйиб, жам бўлишиб, Равшанни кутиб туришди.* «Ёшлик». *Аваз шериклари билан дахма эшигидан четроқда турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бирор нарсага бир хилда талабгор, бир тан бўлган шахс. *Хуллас, икки группага бир хилда хизмат қилганим учун, униси ғолиб чиқса ҳам, буниси ғолиб чиқса ҳам, мукофотга шерикман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бу ердан бир қоп олтин топиб олдим. Шерик бўламан десанг, чиқ!* О. Ёқубов, Излайман.

5 *с.т.* (*фақат 3-ш. бирл. шаклида* – **шериги**) Бир хил ёки бир жуфт нарсаларнинг ҳар бири. *Бу туфлининг шериги қани?* ▬ *Бу қўйни олиб бориб, шериги билан яна бир-икки ой боқинг..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ШЕРИКЛАШМОҚ Бирор иш-ҳаракатни бажаришда бошқа киши билан бирлашмоқ, шерик бўлмоқ; бошқа кишига қўшилмоқ, биргалашиб ҳаракат қилмоқ. *Шериклашиб ишлаганнинг юраги шердай бўлар.* Мақол. ▬ [*Матқовул*] *Ўзига ўхшаш бирон якка улов билан шериклашиб, ерга яхши ишлов бермоқчи, ҳосилни ҳам, албатта, кўпроқ олмоқчи эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШЕРИКЛИК Шерик бўлиш, шерик (биргалик) ҳолат; шерик ҳолатдаги (*қ.* **шерик 1-4**). *Шериклик ош қорнимни оғритади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Бир ошнам билан шерикликда тўрт қўй боқиб юрган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Назирбой Ёлмонбойлар билан шериклик пахта заводидан ташқари мустақил «жин» ҳам солдирганди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШЕРИКЧИЛИК Бирор иш-фаолиятда бир-бири билан шериклик қилиш, шерик бўлиб иш тутиш. *У.. бирорта ёлғиз отлик билан шерикчилик қилиб, адирга дон сепиб, ўз қишлоғида тирикчилик қилиш ниятида бўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шоликорлик билан кўпинча шерикчилик асосида ишлайдиган, кўчиб юрувчи мавсумий кишилар шуғулланмоқда.* Газетадан.

ШЕРЛАНМОҚ Шер каби ҳаракат ва ҳолатда бўлмоқ; ботирланмоқ. *Эргашев шерланиб кетди. Сакраб бориб, харсангтошга ўрнашган немис пулемётини ўлжа қилди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Кайфи ошган Ҳотам шерланиб, мақтаниб гапира бошлади.*

Мирмуҳсин, Умид. [*Турсун*] *Ўтиб бораётган бир қизга гап ташловди, ёнидаги йигити: -Эй, ўзингни бос, кўтара олсанг, ич-да! — деди. Турсун қурғур шерланиб кетди.* Газетадан.

ШЕРОЗИЙ [*ф.* شیرازی — Эрондаги Шероз (شیراز) шаҳри номидан] **1** Шероз деган жойга мансуб, шу ерда тайёрланган. *Шоҳи рўмол солгум бошига, Йўлларига шерозий гилам.* Э. Воҳидов. *Насл учун қолдирилган, кумуш жило берувчи кўк шерозий, қопқора жингалак жунли арабий қўзичоқлар учбурчак болишдай думбаларини селкиллатиб, у ёқдан бу ёққа чопишади.* С. Анорбоев, Ҳаракатда барака.

2 Шерозий қўзичоқдан олинган, тайёрланган тери, қоракўл терининг кўк тусли, аъло сифатли нави. *Ўктам.. шерозий қоракўл попоғидан қорни қоқиб-суқиб, Сайрамовнинг кабинетига кирди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Аваз синглиси олиб келган пахталик тўнига ўраниб, бошига шерозий телпагини бостириб, қабристон оралайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШЕРОЛҒИН Мураккабгулдошлар оиласи шувоқлар туркумига мансуб, баргида эфир мойи бўлган хушбўй зиравор ўсимлик.

ШЕРСТЬ [*р.* шерсть, шерест — ўрдак, ғоз пати; ҳайвон жуни] *с.т.* Жундан тўқилган мато. *Бир костюмлик шерсть. Шерсть пайпоқ.* ▬ *Маҳкам эшикдан қараб, уни [Гавҳарни] досканинг олдида кўрди: қизил шерсть кофта ва клёш этакли қора юбка кийган..* П. Қодиров, Уч илдиз.

ШЕСТЕРНЯ [*р.*] Ҳаракат узатадиган, бошқа детални айлантирадиган тишли ғилдирак. *Конус шестерня. Цилиндр шестерня.* ▬ *Ҳаракатни тишли ғилдираклар ёки шестернялар ёрдами билан узатиш техникада жуда кенг миқёсда қўлланади.* «Физика» дарслиги.

ШЕФ [*фр.* chef — бошлиқ, раҳбар; корхона бошлиғи] **1** *с.т.* Бошлиқ, раҳбар (бўйсунувчи, тобе кишиларга нисбатан). *Шеф билан ишлаб ҳам удда қилолмаётирсизми*? А. Қаҳҳор, Сароб. *Шефнинг фиғони фалакда.. Расулжон, ким устимиздан назоратчи қилиб қўйган?* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Сиз бу ерда шеф экансиз, билмабман..* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Бирор муассасани, корхона ва ш.к. ни оталиққа олган ташкилот.

ШЕФЛИК *айн.* **оталиқ 1.** *Шефлик қилмоқ.* ▬ *Ўзим талаб қилиб.. икки кишининг шефлигини олдим.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ШЕФ-ПОВАР [шеф + *р.* повар — ошпаз] *с. т.* Бош ошпаз, ошпазлар бошлиғи. *Ҳа, шошманг, яхши қиз, шеф-поварингизга айтиб қўйинг, бизга пиёзни алоҳида, сочдек қилиб тўғраб берсин.* О. Ёқубов, Учрашув.

ШЕЪР [*а.* شعر — назм, поэзия] Маълум вазн ва қофияли кичик бадиий асар. *Аруз вазнидаги шеър. Бармоқ вазнидаги шеър. Лирик шеър. Эркин шеър. Ғафур Ғулом шеърлари.* ▬ *Хат конвертга тушаётганда, Нормат унинг охирига яна икки мисра шеър ёзиб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Юртим, сенга шеър битдим бу кун, Қиёсингни топмадим асло.* А. Орипов.

Оқ шеър *айн.* **сочма шеър**. *қ.* **сочма 4**.

ШЕЪРИЙ [*а.* شعری — назмий; шеър йўли билан, шеърга оид] **1** Шеърга оид, шеърга хос. *Бобурда бунчалик шеърий истеъдод бор деб ўйламаган Биноий бир лаҳза ҳайратланиб турди-ю..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Масал — ҳажми унча катта бўлмаган, насрий ҳамда шеърий йўл билан ёзиладиган.. мустақил сюжетга эга бўлган эпик асардир.* «ЎТА».

2 Шеър билан ёзилган. *Шеърий асар.* ▬ *Мармар тошдаги шеърий битик уни гўё адлу инсофга, мурувват ва шафқатга ундагандек бўлиб турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШЕЪРИЯТ [*а.* شعریّت — назм, поэзия] **1** Шеърий асарлар мажмуи; поэзия; шеър ёзиш санъати. *Навоий яшаган давр шеърияти.* ▬ *Куйланди эл тилаги бахши созида, Шеъриятнинг энг дилкаш, энг таннозида.* Уйғун. *Ҳамза бўлди менга ҳар қачон Шеъриятда яқин устозим.* Х. Салоҳ.

2 *кўчма* Ўзига мафтун қиладиган, олий ҳис-туйғу уйғотадиган нарса; ўта гўзаллик, нафосат. *Отабек ва Кумуш ишқларида самимият, яна тўғриси, шеърият бор эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қора денгиз, ҳам шеъриятинг, Ҳам жанговар кўринишинг бор.* Уйғун. *Баҳорлар ҳақида куйламоқ осон, Ёзнинг шеъриятин топа бил, шоир.* М. Шайхзода.

ШЕЪРХОНЛИК Бирор давра ёки йиғинда навбат билан шеър ўқиш. *Бутун кеча шеърхонлик билан ўтди. Шеърлар ўзбек, рус, қозоқ.. тилларида янгради.* Газетадан. *Шеърхонлик ва овқатдан сўнг меҳмонлар у ёқдан-*

бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. М. Осим, Сеҳрли сўз.

ШЕЪРШУНОСЛИК Адабиётшуносликнинг шеър тузилиши, шеърий асарнинг ғояси, бадиияти ва шаклини ўрганувчи бўлими.

ШИА [*а.* شيعه – гуруҳ, фирқа; содиқ кишилар, эргашувчилар; мазҳаб] *айн.* **шиий**. *Қамбар бобо сунний тутқунларга шиа мазҳабининг асосларини ўргатди.* С. Айний, Қуллар. *Қул жаллобларнинг зўри билан «қизилбош», яъни шиа бўлиб қолган Мардон Бухорога келтирилиб, молдек сотилди.* М. Осим, Элчилар.

ШИАЛИК, шиизм [*а.* شيعى – шиага алоқадор, шиа] Муҳаммад пайғамбар давридаги Қуръонни тан олиб, унга кейинча қўшилган диний ақидаларни, сунний халифаларни тан олмайдиган оқим, ислом динидаги икки асосий мазҳабдан бири (*қ.* **суннийлик**). *Шиизм тарафдорлари.*

ШИББА Тупроқни уриб зичлаш учун ишлатиладиган, таги текис дастали оғир ғўла. -*Қани кел, Юнус, – деди Йўлдошбой шиббанинг тепа қулоғини чап қўли билан, белидаги дастасини ўнг қўли билан ушлаб.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Қирғоққа тўпланган кишиларни сон-саноқсиз қайиқлар ва кемалар оролга ташиб турмоқда, кетмон, бел, шибба, андава, теша, болта ушлаган одамлар сабрсизлик билан ўз навбатларини кутмоқда.* М. Осим, Темур Малик.

Шибба урмоқ (*ёки* **қилмоқ**) *айн.* **шиббаламоқ 1.** *Йўлдошбой қишлоғида шибба уришни кўрган бўлса ҳам, ўзи унинг дастасини ушлаб кўрмаган эди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ШИББАЛАМОҚ 1 Шибба ёки бошқа нарса билан уриб, босиб, тупроқни зичламоқ, тиғизламоқ. *Пойдевор ўрнини шиббаламоқ.* ▬ *[Лутфулла] Сувдан чиқиб, ҳар иккала қирғоқдан қуруқ тупроқ қазиб, лой устига ташлаб, оёғи ва кетмон орқаси билан шиббалаб, сув кўтариб кета олмайдиган даражада мустаҳкамлади.* С. Айний, Эсдаликлар. *От-арава, машина юраверib шиббалаб юборган текис йўлдан сал юрганимиздан кейин, орқамиздан сотувчи йигит ҳаллослаб етиб келди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Бўйрадек жойни танлади. Уни кафтдек текислаб, шиббалади.* С. Кароматов, Сўнгги бархам.

2 Босиб, тиқиб зичламоқ, тиғизламоқ. *Сомонни қанорга шиббаламоқ.* ▬ -*Чўрткесар бўлса, ётиғи билан тушунтиринг-да, – деди қанорнинг ичига тушиб, пахта шиббалаётган звено бошлиғи.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар. *Очиқ усулда бостирилаётган силос майдонига кўкпоя ортган автомашиналар кетма-кет келиб турибди, трактор ва бульдозерлар силосни шиббаламоқда.* Газетадан.

ШИВАЛАМОҚ Бир текис, бир маромда, ўртача тезлик, куч билан ёғмоқ (ёмғир ҳақида). *Шивалаб турган ёмғир кучая борди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Эрталабдан ёмғир шивалай бошлади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Кечагина шивалаб ўтган ёмғирдан бош кўтарган ям-яшил ўтлоқда қўй-қўзилар яйраб юрибди.* Газетадан. *Майдалаб, шивалаб ёғаётган ёмғир тобора тезлашарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШИВАҒА *шв.* Улуш, насиба. -*Очқаб келдим, базмдан маликангизга шиваға олиб қўйгандирсиз? – деди Зулукхон Илҳомчага.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ШИВИЛЛАМОҚ *айн.* **шивирламоқ 2**. *Сув шивиллаб, қандайдир сирли, ваҳимали кўриниш билан оқади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШИВИЛҒОНИ Доналари нисбатан майда, уруғсиз қора узум ва шундай мева берадиган ток. *Шивилғон – тоғ-тош орасида кўм-кўк ишкомларга кўмилиб ётган қишлоқ, машҳур шивилғони узум шу ердан тарқалган.* А. Мухтор, Чинор. *Ғарқ пишган, доналари ширага тўлиб, ёрилай-ёрилай деб турган ҳусайни, чарос, шивилғонилар электр лампочкалар нурида товланади.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар. *Оқ чиллаки пишиб ётибди, шивилғони ранг олибди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

ШИВИР *тақл. с.* Сўзлаётганда, айрим нарсаларнинг енгил ҳаракатида бир-бирига тегишидан чиқадиган кучсиз товушни билдиради. *Шивир-шивир, пичирлашлар эшитилди: райком бобонинг уруғ-аймоғидан эмиш.* С. Нуров, Нарвон. *Сўзларни райҳондай ҳидлайман, Сўзларнинг шивирин тинглайман.* Х. Даврон. *Бир вақтлар курсдошлари билан мана шу япроқлар шивирига қулоқ солиб туриб, қайси дарахтлигини аниқлашарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ШИВИРЛАМОҚ 1 Жуда паст овоз билан, шивир-шивир қилиб гапирмоқ, пичирламоқ. *Қулоққа шивирламоқ. Шивирлаб гапирмоқ.* ▬ *Мингбоши бир оздан сўнг: -Агар бирор жойда ғинг десанг, ўзингдан кўравер, йигит! — деб шивирлабди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Моҳира ойим қизи Хушрўйнинг қулоғига нимадир шивирлаб, кулиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 «Шивир-шивир» товуш чиқармоқ (*қ.* **шивир**). *Сув шивирлаб оқмоқда.* ▬ *Майин ел шивирлаб бошингдан эсса, Рўмолинг пириллаб ўйнаб кетади.* Уйғун. *Зокир япроқлари баландда мулойим шивирлаб турган оқ тераклarга.. қаради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ШИВИРҒОНИ *қ.* **шивилғони**. *Яхши қизлар, ўртангизда ким йўқотди лабда ранг? Бир келиб, бу боғдаги «ўғри» шивирғондан сўранг.* Ғ. Ғулом. *Ишкомларда ҳусайни.. диликаптар, кишмиш, шивирғониларнинг боши ерга тегай деб энгашган.* С. Абдулла, Бир шингили томоқни ёради.

ШИВИТ [*ф.* شبت / شويد — укроп] **1** *шв. айн.* **укроп**. *Қишлоқ аҳолиси укропни кўпинча шивит, бодиён деб ҳам атайди.* Газетадан. *Тақсимча, косаларда барра пиёз, шивит бўктирилган сузмақатиқ.* С. Нуров, Нарвон.

2: шивит бўлмоқ *айн.* **шувут бўлмоқ** *қ.* **шувут**. *Кечаларни уйқусиз ўтказаман. Район тўғрисида ўйлайман, юзим шивит бўлмасин, дейман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Узр сўрадим. Аммо ҳали ҳам юзим шивит.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ШИДДАТ [*а.* شدّت — куч, қудрат; ғайрат; қатъийлик; бало, офат] **1** Ҳаракатдаги нарсаларнинг, ҳодисаларнинг интенсив кучи, юқори куч ва суръат. *Шамол шиддати. Ёмғир шиддати пасайди. Шиддат билан ҳужум бошламоқ.* ▬ *Терим шиддати зўрайгандан зўрайиб бормоқда.* Газетадан. *Набижон қиз товушининг шиддатидан таажжубланиб.. унинг кўзларига қаради.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Шерназарбойнинг шиддати зўрайиб, қалъани баттарроқ тўпга туттирди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Томларда, дарахтларда қор анча қалинлашган. Яна шиддат билан ёғишда давом этади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Зўр ғайрат, шижоат. *Кун ўтди, кун кетидан кун келди, лекин тоғ қазувчилар шиддати заррача ҳам бўшашмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Чу! — деб шиддат беради Ғиркўк тулпор отига. Ҳай аттанг, деб мард Ҳасан Шарт уради сонига.* «Равшан».

ШИДДАТКОР [*а. + ф.* شدّتكار — шиддат қилувчи, шиддатли] *айн.* **шиддатли**. *Шиддаткор оқим. Шиддаткор ҳужум.* ▬ *Қариб қолган Шоҳ Малик шиддаткор ва айни пайтда анча тадбиркору серғайрат бу ёш темурийзодани биларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шафтолизорда саъванинг гоҳ фиғонли ноласи, гоҳ шиддаткор чақчақи тинмайди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

ШИДДАТЛАНМОҚ *кам қўлл.* Авжига минмоқ, кучаймоқ. *Гулнор бу ёт кишининг элликбоши эканини билгач, ғазаби шиддатланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШИДДАТЛИ Шиддати бор, шиддатга эга бўлган, шиддат билан содир бўлган ёки бўладиган. *Шиддатли шамол. Шиддатли оқим.* ▬ *Батальон шу куни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Унинг чеҳрасида, юпқа лабларида аллақандай бир қатъият бор, ҳаракатлари кескин, шиддатли эди.* О. Ёқубов, Излайман.

ШИЖОАТ [*а.* شجاعت — дадиллик, ботирлик, жасурлик] Ҳаракат, фаолиятда мардона, жасоратли интилиш; мардлик, жасорат. *Шижоат кўрсатмоқ.* ▬ *Одамлардаги ҳаракат, шижоат, ғайратни кўраётибсанми? Уларнинг юрагига ким ғайрат солди?* Уйғун, Навбаҳор. *Биз кўрсатиб чексиз маҳорат, Саҳроларда очдик бўстонлар; Мўъжизалар яратган ғайрат — Шижоатдан қолур достонлар.* З. Диёр. *Қанча куч, қанча ғайрат, қанчалик шижоат бор бу тинибтинчимас қарияда!* С. Кароматов, Олтин қум.

ШИЖОАТКОР [*а. + ф.* شجاعتكار — шижоат қилувчи, шижоатли] *айн.* **шижоатли**. *Шижоаткор йигитлар.* ▬ *Бригаданинг шижоаткор пахтакорлари қийин об-ҳаво шароитида ҳам юқори ҳосил кўтардилар.* Газетадан.

ШИЖОАТКОРОНА *кт.* Шижоат билан қилинадиган, мардона; фидокорона. *Шижоаткорона парвоз.* ▬ *Қишлоқ меҳнаткашларининг шижоаткорона меҳнатлари туфайли вилоятимиз давлатга пилла, қоракўл тери сотиш йиллик режаларини ошиғи билан адо этди.* Газетадан.

ШИЖОАТЛИ Шижоати бор, шижоат билан ҳаракат қиладиган. *Шижоатли йигит.*

▬ *Оқсоқол опа ҳақиқатан ҳам жуда шижоатли, серғайрат бир жувон.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ўт-олов йигитлар, шижоатли ёшлар механизация измини ўз қўлларига олдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ШИЖОАТСИЗ Шижоати йўқ, шижоат билан иш тутмайдиган, *Шижоатсиз одам.*

ШИЗОФРЕНИЯ [*юн.* schizo – майдаламоқ, парчаламоқ + phren – юрак, қалб; ақл, идрок, эс] *тиб* Бош мия фаолиятининг бузилиши натижасида юз берадиган, турли хил кўринишларга (алаҳлаш, галлюцинация, руҳий-асабий қўзғалиш, ҳаяжон ва ш.к.) эга бўлган оғир руҳий касаллик. *Ҳид ёрдамида шизофрения, бўғма.. каби айрим касалликларни аниқлаш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ШИИЙ [*а.* شیعی – шиа; шиага мансуб] *қ.* **шиийлар**. *Шу кунларда шиий.. ғавғосидан ўзга муҳим ҳодисани билмайман.* Ойбек, Навоий.

ШИИЙЛАР *дин.* Шиизм тарафдори бўлган мусулмонлар; *қиёсланг:* **суннийлар**.

ШИЙДАМ I Ҳеч нарсаси қолмаган, ҳеч нарса йўқ; бўм-бўш, қуруқ, яланғоч. *Элмурод.. чалқанча ётиб, қоп-қора мунчоқ кўзларини шийдам бутоқлардан олмай, тут пишиғини хаёл қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЙДАМ II *фольк.* Яхши кийинган, ясанган, башанг. *Маҳрамлар айтди: -Ҳайитарафада ўзбекнинг куёвини кўрар эдик. Шийдам бўлиб юрар эди. Салла ўраб, кийиниб турар эди.* «Алпомиш».

ШИЙПОН [*хит.* – тош уй] **1** Атрофи одатда ҳар томонидан очиқ, усти ёпиқ ёзлик енгил қурилма. *Ҳовуздан йигирма қадамлар нарида тўрт томони очиқ, устунлари чиройли нақшланган, ердан одам бўйи баланд кўтарилиб солинган каттагина шийпон, бунинг атрофи гулзор.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Далада ишловчиларнинг дам олиши ва овқатланиши учун махсус қурилган ёзлик бино ёки айвон. *Шийпонга йиғилган теримчилар ер остидан бир-бирларига қараб имлашар эдилар.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Июль ўрталарида.. звено қизлари тўртинчи чопиқни тугаллаб, дала шийпонига кўчиб чиқишди.* С. Аҳмад. Қадрдон далалар. *..тонг билан баробар ишга тушадиган машиналар шийпондагиларнинг кўпчилигини барвақт уйғотиб юборарди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ШИКАСТ [*ф.* شکست – мағлубият; омадсизлик; зарар, зиён; синиш, синиқ; суякнинг синган жойи] **1** Жисмоний зарар, лат. *Шикастни тузатмоқ.* ▬ [*Бектемир*] *Суяк шикаст топмаган соғ қўл билан ярани, қийин бўлса ҳам, пухта боғлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. [*Пўлатжон домла:*] *Тувакда бир туп гул ўстирган одам шу гулнинг бирон япроғига шикаст етса, қанчалик ачинади!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 Нарсанинг зарарланган, бузилган, синган, лат еган жойи. *Машинани қиялик четидан олгач, у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, тупурди, сўкинди, шикастни тополмади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Мадраса ҳужраларининг шикасти тузатилиб битмагани учун, мен кўп шогирдлар сингари, квартирада туриб, қатнаб ўқидим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

3 *кўчма* Зиён-заҳмат, зарар. *Араббой кўпчилик кулгисидан бир оз изза тортди. Лекин у.. обрўсига шикаст етган катта бир шахс каби киброна бўзарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёш болаларни ўз эркига қўйиб бериш уларнинг тарбиясига жиддий шикаст етказади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ШИКАСТА [*ф.* شکسته – синган, парчаланган; путурдан кетган; ғамли, қайғули; дабдала бўлган] Носоғ ҳолатли; эзгин, эзилган, хаста. *Мастура жимгина кулумсираб тураверди: беозор, беғараз, айни чоғда қандайдир ночор, шикастами.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Фақат дард томади шикаста куйдан.* Тўлқин. *Жувон ёқимли, шикаста товуш билан хиргойи қиларди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Шикаста хат *ёки* **хатти шикаста** Ҳарфлари нуқтасиз ва бир-бирига тиркаб ёзиладиган арабча хат тури. *Шикаста бу хатдан унинг ўқий олган жумлалари шулар бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ШИКАСТЛАМОҚ Шикаст, зарар етказмоқ. *Машинани шикастламоқ.* ▬ *Қуртлаган олма ерга тўкилиши билан унинг ичидаги қурт ташқарига чиқиб, дарахт бўйлаб юқорига кўтарилади ва бошқа меваларни шикастлайди.* Газетадан.

ШИКАСТЛАНМОҚ 1 Шикастламоқ фл. ўзл. н. *Машина шикастланди.* ▬ *Ер қимирлаганда, Усмон отанинг уйи ҳам анча шикастланди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

2 Бирор зарб туфайли мажруҳ бўлмоқ, лат емоқ. *Унинг ўнг қўли шикастланди.* ▬

-Муроджон бўлса, чаққонлик билан шикастланган тоғамни кўтариб, иккинчи тарафга олиб қўйди, — деди Нафиса. Ғайратий, Узоқдаги ёр. *Фашист танкларининг иккитаси шикастланиб, тўхтаб қолди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ШИКАСТСИЗ 1 Лат емаган, соппа-соғ.

2 Бузилмаган, синмаган, бус-бутун. *Унинг* [*механизаторнинг*] *қўлида энг яхши, соз, юксак унум билан, шикастсиз, бетўхтов ишлайдиган машина бўлиши керак.* Газетадан.

ШИКВА [*а.* شکوه — шикоят, арз қилиш; айблаш] *кт.* Бирор нарсадан норозилик, шикоят; ҳасрат. *Шиква қилмоқ.* ▬ *Нима демоқчисиз, шиквами ё арз?* Миртемир. *Вафосиз дилрабодин шиква қилсам, айб қилманглар.* Маҳзуна. *Бу Муаззам, бу фалакдин шиква этса арзигай.* Муаззамхон.

ШИКВАЛИ Норозиликни билдирувчи, шикоятомуз. *Кампир сўнгги жумлани шиквали бир оҳангда айтди.* Уйғун, Турсуной.

ШИКОР [*ф.* شکار — ов, овлаш; овланган нарса] *кт.* Ов қилиш, ов. *Шикор қилмоқ.* ▬ *Подшо шикорга чиққанда, биринчи рўпара келган кийикни уролмай, ёнидаги одамлар олдида қизариб қолди.* «Латифалар». *От белига ҳавас билан минамиз, Бобо, рухсат беринг, шикор қиламиз.* «Эрали ва Шерали».

ШИКОЯТ [*а.* شکایت — арз қилиш, норозилик; айблаш] **1** Норозилик, нолиш сўзи; ҳасрат. *Уйқусизликдан шикоят қилмоқ.* ▬ *Ҳамманинг тилида шикоят: қимматчиликдан, мардикор олиш воқеасидан, бекорчиликдан шикоят.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Камбағалчилик ўлсин! — хотин бу гапни шикоят тарзида айтди, аммо Туробжон буни таъна деб тушунди.* А. Қаҳҳор, Анор.

2 Норозилик ва маълум талаб билан оғзаки ёки ёзма тарзда билдирилган фикр; арз. *Шикоят — ожизлик аломати.* ▬ *Шикоятни ўзига эп кўрмай, жим ўтирди Аҳмад.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Кўпчиликнинг арздодига қулоқ солмагандан кейин шикоят оқаверади-да.* «Муштум». *Ё Қўқон ҳокими Мединска жаноби олийларига арз қиларсан.. Бор, бора қол, шикоят қила қол.* К. Яшин, Ҳамза.

3 *айн.* **шикоятнома**. *Шикоят ва тавсия дафтари.* ▬ *Касабақўм ишчи ва хизматчиларнинг шикоятларини корхона маъмурияти билан биргаликда кўриб чиқади.* Газетадан. *Ҳукмлар тўғрисида шикоят бериш эркинлиги кўзда тутилади.* Газетадан.

Шикоят қилмоқ 1) нолиш сўзини айтмоқ; нолимоқ, ҳасрат қилмоқ. *Гулсумбиби бу саволга жавоб беришдан аввал камбағалчиликдан, эрининг аҳволидан шикоят қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кимдир кун ортиқ исиганидан шикоят қилди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми; 2) арз, шикоят билан мурожаат қилмоқ. *Рост, Эртоевларнинг устидан шикоят қилиш унинг хаёлига ҳам кириб чиққан эмас.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Хивага юр, хонга шикоят қиламиз..* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШИКОЯТБОЗ [*а.* + *ф.* شکایتباز — шикоят қилишни яхши кўрувчи] Доим шикоят қилиш, шикоят ёзиш билан шуғулланувчи шахс. *У айрим оналарнинг шикоятбоз бўлиб кетаётганидан зорланган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ШИКОЯТБОЗЛИК Доим шикоят қилиш, шикоят ёзиш билан шуғулланиш. *Турмушда шикоятбозликдан бошқа иш қилмайдиган, буни ўзларига касб қилиб олган бир тоифа одамлар бор.* О. Ёқубов, Ларза.

ШИКОЯТЛАНМОҚ *айн.* **шикоят қилмоқ 1** *қ.* **шикоят**. *-Астрободда бағоят номақбул ҳаракат рўй бермиш, — деди Ҳусайн Бойқаро шикоятланиб.* Ойбек, Навоий. *Хотин паранжиси билан айвоннинг олдига ўтириб олгач, «уф-ф-ф» деб чайқалди ва «анча йўл экан, тинкаларим қуриб кетди-я», деб шикоятланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШИКОЯТЛИ Норозилик, шикоят ёки нолишни ифодаловчи, ҳасратли. *Дарров кўзларига қайғули жилва берди.. шикоятли товуш билан, гўё ўз-ўзига сўзлаган каби минғирлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Асли бизнинг ҳолимизни сўраманг! — дейди шикоятли оҳангда Берди татар, — биз бошда шу Обид кетмон деганни ўз ичимизга ўйламасдан олган эканмиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ШИКОЯТНАМО [шикоят + *ф.* نما — кўриниш, қиёфа] Шикоятга ўхшаш, шикоятомуз. *Машинаси бўла туриб, генералнинг тўпиқдан чанг кечиб, пиёда юрганига адъютантнинг гоҳо жаҳли чиқиб қўяр ва ўзича нималарнидир пўнғиллаб, шикоятнамо сўзланиб қўярди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *У* [*обком секретари*] *ҳар қандай шикоятнамо масалаларни ўз вақтида, аммо мужассам далиллар ёрдамида ҳал қилишга одатланган.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ШИКОЯТНОМА [шикоят + нома] Расмий тарздаги ёзма шикоят. *-Бўлмаса, аҳоли хонга шикоятнома ёзмайдирми? -Нечанчи шикоятномани сўрайсиз, — деди Отабек, — Азизбекдан зулм, жафо кўрганлар билан бирликда энди ўнинчи шикоятномани юборгандирмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу шикоятномани олий ҳукуматимиз номига ишончли бир кишидан бериб юбордим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ШИКОЯТОМУЗ [шикоят + *ф.* آمیز — аралашган; ўхшаш] Шикоятга ўхшаш, шикоятнамо. *Йўловчилар юзларини елпишар, иссиқдан бўғриққан рухсорларини рўмолчалари билан артишиб, бир-бирларига шикоятомуз қараб, бошларини сарак-сарак қилишар эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Унинг бу шикоятомуз сўзларида ўз ишидан киши билмас фахрланиш оҳанги ҳам сезилиб турарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ШИКОЯТЧИ Бирор кимса ёки нарсадан шикоят қилувчи. *Хатлар ҳаракати устидан назорат ўрнатилмаган, бир қанча ҳолларда шикоятчиларга жавоб қайтарилмаган.* Газетадан. *Убайдуллахўжа аълам шикоятчи бойларнинг отдан ҳам кўра ўз элдошлари олдида обрў учун курашаётганлигини англади-да.. уларни икки ой овора қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЛ [*ф.* شیله — айёрлик, муғамбирлик] *шв.* Фирибгарлик билан хамма нарсани шилиб, ўзиники қилиб оладиган; товламачи, фирибгар; сурбет. *Жамоатчилик, тегишли ташкилотлар.. бу ҳаромхўр, шил савдогарларни нўхталаб қўйишлари керак.* «Муштум».

ШИЛВИРАМОҚ *с.т.* Шилиниб, тирналиб маддаламоқ, сувланиб турмоқ (яра, жароҳат ҳақида). *Яраси шилвираб кетибди.* ■ *У [Ғуломжон] жисмини шу ерда қолдириб, фикри билан ёр ёнида бўзлайди, жароҳати шилвираб ётган дилида оғриқ туради.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Унинг куюк, сочсиз боши, яримта юзи жизғанак бўлиб, шилвираб турар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ШИЛДИР I *тақл. с.* Нарсаларнинг енгил урилишидан ёки сув оқишида чиқадиган товушни билдиради. *Сув шилдири, булбул қўшиғи, Феруза кўк, зангори япроқ.* Уйғун.

Шилдир сув *с.т.* Ниҳоятда суюқ овқат ҳақида. *Бу шўрвангиз шилдир сув-ку.*

ШИЛДИР II *айн.* **шил**. *Қанақа йигит экан? Ким экан? Ёмон, шилдир йигитлардан эмасмикан?* Мирмуҳсин, Умид.

ШИЛДИРАМА Шилдирайдиган, шалдироқ. *Чўнтакдан рўмолчасин Олмоқчи бўлганда ул, Ёнидан тушиб қолди Шилдирама беш сўм пул.* Қ. Муҳаммадий.

ШИЛДИРАМОҚ 1 Оқаётган сув ёки бошқа суюқликка хос бир хил майин овоз чиқармоқ, жилдирамоқ. *Ариқчаларда типтиниқ сувлар шилдираб оқиб ётади.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Енгил овоз чиқармоқ, шитирламоқ (хас-хашак, қоғоз ва ш.к. ҳақида). *Қамишлар шилдиради, кўл атрофидаги ўрдаклар «ғаға»лаб, парвоз қилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кечки куз. Дарахтлар қизғиш, олтин ранг, Шилдираб япроқлар куйлайди қўшиқ.* Шукрулло.

ШИЛДИРОҚ Шилдираган майин овоз чиқарадиган. *Негадир унинг [Ҳафизанинг] бирдан орқага қайтиб кетгиси келиб қолди, агар ҳозироқ Умид билан учрашадиган бўлса, бу ажойиб манзаралардан, пурвиқор тоғлардан, сарин елу шилдироқ сойлардан — баридан кечиб, у томон чопарди.* Мирмуҳсин, Умид. [*Ойна опа*] *«Озиқ-овқат» ва «Кийимлар» магазинига кириб, шилдироқ қоғозга ўроғлиқ алланарсаларни кўтариб чиқди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ШИЛИМШИҚ Елим каби юмшоқ ва ёпишқоқ, шалҳак. *Шилимшиқ модда. Шилимшиқ гўшт.* ■ *Киши шилимшиқ бир нарсани кўрганида, таъби қандай тирриқ бўлса, унинг ҳам таъби ҳозир худди шундай хира эди.* О. Ёқубов, Ларза. *Низомиддинов бармоқларига шилимшиқ нарса ёпишганини сезди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ШИЛИНГПОЧА *с.т.* Кийимсиз, ялангғоч; оёқ яланг, сарпойчан. *-Айниқса сартарошхонанинг қашқа пашшасини айтинг. Шилингпоча оёқларимни шунақа узиб чақадики, дод деб юборасан киши, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ШИЛИНМОҚ **Шилмоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Пўсти шилинган тол. Оҳакдан унинг қўли шилинибди.* ■ *Кийимларим йиртилиб, тиззаларимнинг кўзи шилиниб, соқолларим пахмайиб кетди.* И. Раҳим, Оловкор. [*Бозорқул*] *Бугун куни билан от етаклаб, яёв юрди. Узангига ўрганган оёқ шилиниб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

Шилиниб тушмоқ Жуда озиб, ориқлаб кетмоқ. *Бир неча кун ичида Аъзам шилиниб тушди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ШИЛИҚ I *айн.* **шиллиқ** I.

ШИЛИҚ II *айн.* **шиллиқ** II.

ШИЛЛИНГ [*ингл.* shilling] **1** Англияда 1/20 фунт стерлингга тенг танга пул.

2 Австрияда ва баъзи бир Африка мамлакатларида пул бирлиги.

ШИЛЛИҚ I Суюқ ёпишқоқ елимсимон модда. *Шиллиқ парда.* ▬ *Соғ кишининг нафас йўллари қуриб қолмаслиги ва чангдан сақланиши учун унда бир оз шиллиқ бўлади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ШИЛЛИҚ II: **шиллиқ қурт** Қуруқда яшайдиган қориноёқли, ўпкали моллюскалар. *Намли ва булутли ҳавода ўргимчаклар, шиллиқлар туғилади, шудгордан бошқа озиқ тополмагандан сўнг, янги ўсиб чиққан ғўзаларни қирқишга бошлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ШИЛМОҚ 1 Нарсанинг сиртидан, танадан уни ўраб турувчи тери, пўст каби қопламини ажратмоқ. *Дарахтнинг пўстлоғини шилмоқ. Қуённинг терисини шилмоқ.* ▬ *Тожиддин Қосим хушбўй бананларнинг олтин пўстларини илдам шилиб, бирмунча еди.* Ойбек, Нур қидириб. *Кўчанинг у юзида, лаб ва бурнига қон сачраган айиқдек бир қассоб, янги сўйилган қўйнинг терисини зўр бериб шиларди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Узиб ёки юлиб олмоқ, кўчириб юбормоқ, қаттиқ тирнамоқ. *Билмай ярамни шилиб юборибман.* ▬ *Мана бу еримни Люблинда ўқ шилиб кетди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 Ачиштириб ялаб кетмоқ; терисини еб, ўйиб юбормоқ. *Оҳак қўлимни шилиб юборди. Қалампир ичимни шилиб кетди.* ▬ *Сирка ичгандагидек қорнини шилиб юборди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 *кўчма* Алдаш ёки зўрлик билан бошқанинг бор-йўғини ўзиники қилиб олмоқ, таламоқ; ўғирламоқ. *Бойлар камбағалларни шиларди. Савдогар харидорларни шилади.* ▬ *-Отам қариб, йўлда ҳориб қолган чол эди. [Қароқчилар] Уни бир зумда ётқизиб, ёнидаги бор пулини шилиб олишди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўғри, бандит! Эртага ҳамма ёқни шилиб қочади.* А. Мухтор, Туғилиш.

ШИЛП *айн.* **шилт** I. *Мингбоши ерда ғужанак бўлиб ётган Матқовулнинг орқасига қамчини шилп эткизиб туширди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИЛПИЛДОҚ Қайнаган сувга тўртбурчак қилиб кесилган юпқа хамир ташлаб пишириб, шўрвали қайла билан тайёрланадиган таом. *-Мулла, эшон, бой, қиморбоз ёғила берди, ҳар кун норин, шилпилдоқ, палов.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шилпилдоқ, бешбармоқ.. каби қозоқ таомларининг кўпроқ Тошкентда тайёрланишининг боиси ҳам шунда.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ШИЛПИҚ 1 *тиб.* Кўз жилди ҳамиша қизариб, ёшланиб турадиган юқумли касаллик; трахома. *Кўзи шилпиқ, елкаси чиқиқ бўлса ҳам, кўнгли тоза, топилмайдиган одам.* Ойбек, Улуғ йўл. *Биров букри, биров шол, биров шилпиқ..* К. Яшин, Ҳамза.

2 Шу касаллик туфайли кўздан тўхтовсиз оқадиган йирингли ёш. *Мастон хола.. енги билан кўзларининг шилпиғини артиб бўлгач, эгачи-сингилга бир-икки қараб олди.* Уйғун, Турсуной. *Унинг [Мирҳосилнинг] кўзларини шилпиқ босган, чўмичнусха катта бурни одатдагидан ҳам қизариб кетган эди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

3 *с.т.* Шундай касалликка йўлиққан киши ва унинг исмига қўшиб айтилувчи сўз. *Шилпиқ чийиллаб гапиради.* Ойбек, Болалик. *Мўмин шилпиқ Қўрғончадаги бир беванинг қизига уйланаётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЛПИҚЛАНМОҚ Шилпиқ ҳолатда бўлмоқ (кўз ҳақида). *-Ўҳў, оғайни, одам деган махлуқ ҳар қандай оғирликни кўтараверар экан, — деди кўзлари шилпиқланган.. қари чархчи.* Ойбек, Улуғ йўл. *..уйқусизликдан кўзлари шилпиқланиб қолган Шоди Мударрисов кириб келди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ШИЛТ I *тақл. с.* Юмшоқ нарсага урганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *От сулиқ чайнаб, пақирдан бош кўтариши билан, биқинига шилт тушган қамчи зарбидан ўзини олдинга уриб, лўкиллаб юриб кетди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Сигир.. сочоқли узун думини ҳавода ўйнатган эди, учи шилт этиб Тошхоннинг юзига тегди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ШИЛТ II *тасв. с.* Ҳаракатнинг тез ва кескин ҳолатини билдиради. *Шилт этиб чиқиб кетмоқ. Шилт уриб қочмоқ.* ▬ *Кудрат даврадан шилт чиқиб, орқага ўтиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..ўз кавушини қўлига олди-ю, шилт этиб, ичкари кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИЛТА 1 *сфт.* Ниҳоят даражада ҳўл, жиққа ҳўл. *Йигитнинг терддан шилта бўлган кўйлаги баданига ёпишиб қолган, ўзи ҳам нимадандир қўрққан одамга ўхшар, кўзлари бежо эди.* О. Ёқубов, Ларза. *Аллақачон шудринг тушган экан, бирпасда шимининг почалари шилта бўлди.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.

2 *от* Ёмғир ёғиши, қор эриши ва ш.к. дан юзага келган билч-билч ҳолат, ернинг шундай ҳолати. *Оёқ тагидаги қор шилтага айлана бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..қуруқ ва аччиқ изғирин.. қуёшда шилта бўла бошлаган қишлоқ кўчаларини дарангалатиб қотириб ташлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЛТИЛЛАМОҚ *с.т.* Шилта бўлмоқ (*қ.* **шилта 2**). *Қор эриб, кўчалар шилтиллаб кетди.*

ШИЛҚ *тақл. с.* Бирор нарса урилганда ёки ёпиқ идишдаги суюқлик чайқалганда ҳосил бўладиган оҳиста товушни билдиради.

Шилқ тушмоқ *с.т.* Осонгина ишонмоқ, таслим бўлмоқ, кўнмоқ. *Тўла Салиманинг дағдағасини эслади-ю, Самаднинг гапига шилқ тушди-қолди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. **Шилқ этиб** 1) шилқ этган товуш чиқариб. *Бу ерда бўлса, қош қораймасдан, эшигининг ичидан шилқ этиб занжир солади.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) ҳушини, мадорини йўқотиб; ҳолдан кетиб. *Муҳаррам Элмуроднинг қўлига шилқ этиб тушди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ўн беш қадамлар чамаси югургач, тўсатдан таққа тўхтади, сўнг шилқ этиб йиқилди.* «Ёшлик». *Мунисхоннинг иссиқ қўллари совиб, шилқ этиб чойшаб устига тушди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ШИЛҚИЛЛАМОҚ 1 «Шилқ-шилқ» этган овоз чиқармоқ, шўлқилламоқ. *Сигир кўп сув ичганидан, юрганда қорни шилқиллар эди.*

2 Сирқиб турмоқ; кўлмак ҳосил қилмоқ (суюқлик ёки намнинг мўллиги ҳақида). *Ёғи шилқиллаган палов.* ▬ *Кунгай қир ёнбағирларини тўшаган момиқ қор офтобнинг илиқ нурларига тоб бера олмай, шилқиллаб эриб, пастликка аста силқий бошлайди.* Газетадан.

3 *кўчма* Ҳолдан тоймоқ, дармонсизланмоқ, бўшашмоқ. *Овқатни еди-ю, шилқиллаб тушди.. меҳнат чақиб қўймаса, бу бечорани.* И. Раҳим, Ҳилола. *Қизча йиғлаб чарчаган, шилқиллаб тушган эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ШИЛҚИМ Ҳол-жонига қўймай сурканаверадиган, хиралик қилаверадиган. *Минг ўргилиб, олдин сизга қаддин букар, Оҳ-воҳ қилиб, муғамбирлик ёшин тўкар, Эртасига унутади севгисини — Билиб қўйинг шилқим ошиқ белгисини.* А. Пўлат. *У ўзини ростлаб олгунча бўлмай, бояги шилқим яна пайдо бўлди ва унинг елкасига уриб деди: -Қойилман, тўрам.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Ўтакетган шилқим, маҳмадона Хол даллол, деҳқоннинг қўлини силтайвериб, жон-ҳолига қўймади.* «Муштум».

ШИЛҚИМЛАРЧА Шилқимлардек, шилқим сингари, сурбетларча. *Улар гап орасида Фотимага яна кимларнинг жазманлиги, Латифийнинг унга шилқимларча тегишиб юргани.. ҳақида ўз шубҳа ва тусмолларини гаплашдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЛҚИМЛИК Сурбетлик, хиралик қилиб сурканиш. *Шилқимлик қилмоқ.* ▬ *Йигит кўп шилқимлик қила берганидан кейин, хотин қочиб, нариги уйга кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Қайғулар. *Сиздақа салобатли одамга бунақа шилқимлик ярашмас экан.. буни кутмагандим.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ШИЛҚҚА: **шилққа тушмоқ** *айн.* **шилқ тушмоқ** *қ.* **шилқ**. *Пўписа қилавер, кўнмай иложи қанча, охир кўнади, ҳужрага қамасанг, шилққа тушади-қўяди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ШИМ Гавданинг белгача бўлган пастки қисмига кийиладиган устки кийим. *Галифе шим. Мовут шим.* ▬ *Хўжабеков шимининг чўнтагидан дастрўмолини суғуриб, оқариб кетган юзини артди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳаракатининг зўрлигидан Раҳимнинг сепкил бетлари, дукки пешонаси терлаб, қизил майкаси шимидан чиқиб кетган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШИМАРИҚ *кам қўлл. айн.* **шимариғлиқ.** *Қўлларда зил, расмона кетмон, Сочлар чамбар, енглар шимариқ.* Ойбек.

ШИМАРИҒЛИҚ Орқасига қайириб, юқори кўтарилган, шимарилган. *Лойда унинг* [*Бекнинг*].. *бир почаси шимариғлиқ бақувват қора болдири ялтиради.* А. Мухтор, Туғилиш. *Енглари шимариғлиқ.. қайноқ сомса уйилган лаганни кўтариб, оқсоч кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ШИМАРМОҚ Орқасига қайириб, ҳимариб, юқорига кўтармоқ (кийим ёки унинг бирор қисми ҳақида). *Почани шимармоқ. Қайирсам — этагим, шимарсам — енгим.*

Мақол. ▬ *Улар* [*Эргаш билан Одил*] *йиртиқ иштонларини тиззагача шимариб, сув кечишади, ҳар бир тош тагига қўл тиқиб, балиқ қидиришади.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *-Бўрон тўхтагач, ундан ҳам яхши ишлаяпмиз, — деди Бекбўта билакларини шимариб.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Енг шимариб Астойдил; жон-жаҳди билан. *Тўғрироғи, сенга ўхшаш адашганларни тўғри йўлга солиш учун енг шимарган бир кишиман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ШИМИМОҚ *айн.* **шиммоқ**. *Мадраҳим араққа ботган сариқ мўйловини шимиди.* А. Ҳасанов, Юзма-юз.

ШИМИРМОҚ *айн.* **симирмоқ**. *Айронни шимирмоқ. Яхна чойни шимирмоқ. Майни шимирмоқ.* ▬ *Йигит югуриб бориб, қўтон орқасидаги ўтовларнинг биридан мешда қимиз олиб келди. Очил бува, Азимжон, шофёр, навбатлашиб, икки косадан шимирдилар.* А. Мухтор, Чинор. *Марҳамат, тоғнинг тоза ҳавосини шимириб, олдинга юрар экан, гўзал манзаралар баҳрини очди.* Т. Расулов, Марҳамат.

ШИММОҚ 1 Суюқлик, ҳаво ва ш.к. ларни ичига ёки таркибига тортмоқ, ўзига сингдирмоқ. *Пахта ёғни шимиб олди. Сувни ер шимиб олди.* ▬ [*Гулнор*] *Тер, мой ва чангни йилларча шимган, жияги чармдай қотиб, кирдан йилтираган бу дўппини яна тозалади, қоқди, кўзларига суртиб ўпди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **сўрмоқ** I. *Қанд шиммоқ.* ▬ *Ўроқ.. чўнтагидан конфет олиб, оғзига ташлаб шима бошлади.* Й. Муқимов, Матонатли кишилар. *Асаларининг уяси! Турган-битгани асал! Мана, мана, сиқсанг, асал оқади. Буниси оқ мум, ҳаром эмас — шимса ҳам бўлади.* А. Қаҳҳор, Анор. *Бўксаларингни сандалга тиқиб, иссиқда қурут шимиб ётибсанлар!* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШИМОЛ [*а.* شمال — шимол; шимолий шамол; чап, чап томон] **1** Дунёнинг тўрт томонидан бири — жанубга қарама-қарши бўлган томон. *Компас стрелкаси шимолни кўрсатиб турипти.* ▬ *Кечагина шимол ўлкасида Юрган чоғи эсига тушди.* Ё. Мирзо. *От шимолга қараб бурилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Маълум бир жой ёки ҳудуднинг айни шу томондаги қисми. *Фарғонанинг шимоли. Африканинг шимолида.* ▬ *Кўк гумбазига худди найзадай санчилган шимол томондаги тоғ чўққиси устида бир парча қора булут сузиб юрибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ер шарининг шимолий қутбига яқин, совуқ минтақадаги жойлар, ўлкалар. *Шамолдан тез учган поездлар ҳам то Шимолга етгунча кетади ҳолдан.* Ҳ. Олимжон.

ШИМОЛИЙ [*а.* شمالى — шимол томондаги; чап томондаги] Шимол томондаги, шимол томонда жойлашган. *Шимолий қутб. Шимолий Атлантика.* ▬ *Суви анча тортилиб қолган кўлнинг шимолий этаги қишлоқ уйларининг ҳовлиларига бориб тақалар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИМОЛИ-ШАРҚ Уфқнинг шимол ва шарқ оралиғидаги томони. *Шимоли-шарқдан қора булут кўринди.*

ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ Шимоли-шарқ томондаги; шимоли-шарққа оид. *Вокзал шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида эди.*

ШИМОЛИ-ҒАРБ Уфқинг шимол ва ғарб оралиғидаги томони. *Тепа устига сипоҳ туриши учун бир неча бинолар солинган, жануби-ғарбга қаратиб бир, ғарбга қаратиб бир ва шимоли-ғарбга қаратиб яна бир; барисига учта тўп қўйилган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизнинг ҳовлининг шимоли-ғарбида биздан унча узоқ бўлмаган бир мозор бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ Шимоли-ғарб томондаги; шимоли-ғарбда жойлашган. *Тошкентнинг шимоли-ғарбий қисми.*

ШИМОЛЛИК Шимолда, шимол томонда туғилган, шимол томонда яшовчи.

ШИМПАНЗЕ [*фр.* chimpanze] Африканинг тропик ўрмонларида яшайдиган одамсимон маймун.

ШИНА [*нем.* Schiene < *нем.* scheiden — ажратмоқ, бўлмоқ] **1** Ҳаракатни енгиллаштириш, ғилдиракни ейилишдан сақлаш ёки туртки-силкинишларни камайтириш учун ғилдиракка кийдириб қўйиладиган резина гардиш. *Автомобиль ғилдирагининг шинаси.* ▬ *Автомобиль ва тракторларни шиналар билан таъминлаш масаласи нақадар кескин эканлиги маълум.* Газетадан.

2 *тиб.* Юмшоқ тўқималарнинг анчагина қисми шикастланганда, суяк синганда, суяк ва бўғим касалликларида уларни қимирлатмай қўйиш мақсадида ишлатиладиган,

металл, гипс, тахта, платмасса ва ш.к. дан тайёрланадиган мослама.

ШИНАВАНДА [*ф.* شنونده – эшитувчи; радиоэшитувчи] **1** Бирор нарсага ниҳоятда ихлос қўйган; ихлосманд, ишқибоз, мухлис. *Футбол шинавандаси. Кураш шинавандалари.* ▬ *Томоша зали санъат шинавандалари билан лиқ тўлган эди.* Газетадан. *Қўшни хонадан шахмат доналарининг тахтага тақ-туқ урилгани, қўли баланд шинаванданинг хурсанд овози эшитилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Бирор иш, касб-хунарга меҳр қўйган, уни яхши биладиган, омилкор, ҳадисини олган. *Шўр ерларнинг пири, ташландиқ ерларнинг миришкори, ўз касб-корининг шинавандаси Турсунбой бормаса, ким боради*? М. Муҳамедов, Ҳамқишлоқлар. *Тиним билмас техника шинавандалари ишлаб чиқаришга жорий этаётган янгиликлар бир дарё бўлса, юқорида эслатганимиз ундан қатрадир.* Газетадан.

3 Киши билан дилдан суҳбатлашадиган, элакишиб кетадиган. *..Қутбиддиновнинг феъли айниди, яъни бironта шинаванда улфат билан бирпас дилкашлик қилгиси келди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *У ўрта ёшли, хийла тўлалигидан бўйи паст кўринадиган, одамга тез элакишиб кетадиган шинаванда киши эди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

4 Улфат учун ҳеч нарсани аямайдиган, улфатчиликни ўрнига қўядиган; одамшаванда. *Фозилжон ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзини улфат кўрган шинавандалардек тутарди.* Ф. Мусажонов, Нозик масала. *Бунақанги шинаванда одам кам бўлади, ҳа. Олтин йигит. Дўст учун жонини ҳам аямайди.* «Муштум».

ШИНАК [*ф.* شنک] *эск.* **1** Шаҳар, қалъа, қўрғон кабилар деворидан душманни кузатиш ва отиш учун қилинган махсус туйнукча. *Қўрғон бурчидаги шинак орасидан узун бўйли, қора соқолли бир кишининг оташин назари узоқларга тикилган эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Атрофини ўраган девордан ўқ отиш учун шинаклар қўйилган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Душманни кузатиш ва ундан сақланиш мумкин бўлган пана жой. *Яроғ олмай қолганлардан эҳтиёт қисм тайёрлаб, шинак орқасига қўйди, хотинлардан шафқат ҳамширалари тўдаси тузди.* С. Айний, Қуллар. *Шинакка етганларида, бегимнинг қўлидаги машъаласини олди: -Эҳтиёт бўлинг, бегим, ёғийга кўринманг!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ШИНАЛАШ *тиб.* Қимирламайдиган, ҳаракатланмайдиган қилиб боғлаш; тахтакачлаш.

ШИНАМ 1 Кишининг баҳридили очиладиган, кўркам; ихчам ва қулай (жой ҳақида). *Шинам хона.* ▬ *Охирги бекатда шинамгина чойхона ҳам бор экан.* Н. Фозилов, Дийдор. *Қатортолликлар чиройли ва шинам уйларни кўргач, юраклари севинч-қувонч билан тўлиб-тошди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кавушдўз Исоқ отанинг шаҳар ташқарисида уч таноб келадиган шинам боғи бор.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Боғда ҳовуз бўйларидаги шинам шийпонларга ёзилган дастурхонлар ёзилганича қолиб кетибди.* О. Ёқубов, Диёнат.

2 Ярашиб тушган; ярашиқли, ихчам. *Қабулга келган қиз шинамгина туфлисининг баланд пошналарини тақиллатиб, стул олдига юриб келди-да, атлас кўйлагининг этакларини астагина йиғиштириб, ноз билан стулга ўтирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бўлис буларнинг ҳаммасини яхши танийди, бироқ Ўтапнинг ёнида ўтирган ўрта бўйли, озғингина, шинам кийинган йигит унга нотаниш.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бу завқ Дулдулбекнинг гўштдор шолғом бурнини ҳам чимчилаб қўйгандек шинам ва гўзал қилиб кўрсатарди.* Мирмуҳсин, Сўгал.

3 Хуш ёқадиган, ёқимли, мароқли. *Унинг шинам овози гўё «Кўча боғи» учун, «Кўча боғи»нинг мафтункор оҳанги эса Ғуломжон учун яратилгандек янграр эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Яшил уватларда завқли қўшиқлар, Шавқли ҳангамалар бўлар кўп шинам.* F. Ғулом.

ШИНГАРФ [*ф.* شنگرف] *кт.* Қизил рангли минерал, олтингугуртли симоб.

ШИНГИЛ 1 Узум бошининг бир қанча доналардан иборат шохчаси. *Бир шингил узум.* ▬ *Узум узсам узумзордан бир шингил, Асалман дер, шириликда даъвоси.* С. Абдулла. *Анвар ўзидан нарироққа тушган бир шингил узумни олиб еди ва бир-икки ғужумини ҳамроҳига узатди: -Ма, Раъно.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма кам қўлл.* Бирор нарсадан қисм. *Булар — бугунги Эрон халқи ҳаётига оид*

шингил мисоллар. Газетадан. *Мамадали аканинг уруш йилларида қилган катта ишларидан шингиллар эшитайлик.* Р. Раҳмонов, Мардлик – мангулик.

Бир шингил 1) катта ва бир бутун нарсанинг бир бўлаги, кичик бир қисми. *Бу катта ишнинг бир шингили, холос.* ▬ *Бу айтганларим Бекчоновнинг қилмишидан бир шингил, холос.* «Муштум»; 2) озгина, бир оз. *Бир шингил ашула эшитсак.* ▬ *Қудрат нон, колбасаларни тўграркан, фронт воқеаларидан бир шингил-бир шингил ҳикоя қилиб берди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Ҳар иккалови ҳам бир-бирини бир шингилдан чандишиб олишди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ШИНГИЛЛАМОҚ Шингил-шингил қилиб синдирмоқ, шингилга ажратиб олмоқ. *Шингиллаб емоқ (узумни).*

ШИНГИЛ-ШАПОҚ Узум бошининг шингил ва майда-чуйда қисмлари.

ШИНЕЛЬ [*р.* < *фр.* chenille – эркакларнинг тонгги кийими, костюми] Махсус матодан тикиладиган, махсус бичимдаги пальто. *Шинель кийган солдат. Милиционерлар шинели.* ▬ *Машинадаги жангчиларнинг янги шинелларидан.. уларнинг узоқ фронт орқасидан келишаётганини пайқаш қийин эмас эди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ШИННИ Тут, узум каби мевалар ширасини қайнатиб тайёрланадиган қиём. *Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди Димоғни шод этар, руҳни саломат.* Ғ. Ғулом. *Шойибофлар узун супа устига солинган палосларда ўтириб, дастурхонга даста-даста қилиб қўйилган нонларни ушатиб, пиёлалардаги шинниларга ботириб ер эдилар.* М. Осим, Элчилар. *Онам у йил касаллиги сабабли тутдан шинни пиширолмай, бир қопча қуруқ тутмайиз қилиб қўйган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ШИНҒИЛЛАМОҚ *айн.* **шинғирламоқ**.

ШИНҒИРЛАМОҚ Металл буюмлар бир-бирига урилганда ҳосил бўладиган товушга ўхшаш овоз чиқармоқ; жиринглaмоқ. *Қўшни кўчада шинғирлаб, ерни дириллатиб, трамвай ўтиб кетди.* А. Муҳиддин, Ихтирочилар. *..белларига қадалган қўнғироқнинг шинғирлаши шоҳнинг юришига тантанали тус берар эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ШИНҒРАЙМОҚ Кўзлари бир тарзда (ёқимсиз) тикилиб турмоқ. [*Бойдавлатов муовинига*:] *Ўзингда турипти айб, кулма бировга шинғрайиб.* «Муштум».

ШИОР [*а.* شعار – даъват, чақириқ, белги, фарқ; девиз, шиор] **1** Бош ғоя, масала ёки сиёсий талабни ифодаловчи, қисқа шаклда баён қилинган чақириқ. *Станция бинолари ва поездларда «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун!» деб ёзилган шиорлар кўзга ташланиб туради.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Фаолиятни белгиловчи, ундаги асос мақсад, шу мақсадни ифодаловчи сўз, гап. *Шиоримиз шу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштиришдан иборат.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Умуман, достон қаҳрамонларининг асосий шиори ўз ҳаётининг сўнгигача комил ишонч билан яшаш ва яшаш учун тинимсиз курашишдан иборатдир.* «ЎТА». *Адолатнинг*: *«Ўзимизни ишда ҳам кўрсатайлик», деган сўзлари бригада қизларининг асосий шиори бўлиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШИП I *қ.* **шифт**. *Шипи фанердан қилинган уй.* ▬ *Борсам, [волидам] тилдан қолибдилар; калта-калта нафас олиб, шипга қараб ётибдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Хона ўртасида.. каттакон стол, атрофида вена стуллари, икки дераза ўртасида шипга етарли катта тошойна.. бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шишанинг тагига йўғон шапалоғи билан икки марта урди, пўк сачраб чиқиб, шипга тегди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

Шипдай бўлиб *айн.* **шифтдек бўлиб** *қ.* **шифт**. *Эшик олдида шипдай бўлиб турган эрини кўриши билан ваҳимага тушган Рисолат: -Нима гап? – деди ва югуриб ёнига келди.* Ғайратий, Довдираш. *Сал нарида шипдай бўлиб Каримов турарди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ШИП II *тақл.с.* Енгил қадам ташлаб юрганда ёки қоғоз ишқалганда ҳосил бўладиган кучсиз узуқ товушни билдиради. *Бу одам уйқусида шип этган товушни ҳам сезади.* ▬ *Қўққисдан «шип» этган бир шарпа уни* [*Назар акани*] *тўхтатди.* Ғайратий, Довдираш.

Шип этиб Бирпасда, тезлик билан, тезгина. *Эртага Алига айтаман, машинасида шип этиб Марғилонга бориб келасиз.* «Шарқ юлдузи». **Қулоғи шип битди** Қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолди. *Махсумнинг оғзидан*

чиқаётган ҳар битта сўз токдек миясига тегиб, икки қулоғини шип битириб қўйди. В. Ғофуров, Вафодор.

ШИПИЛДОҚ: **шипилдоқ товушлар** *тлш.* Шовқинли сирғалувчи тил олди «ш», «ж» (мас. «журнал» сўзидаги «ж») ундошлари.

ШИПИЛЛАМОҚ 1 «Шип-шип» қилмоқ; шитирламоқ. *Ҳовлида дарахт шохлари шипиллаб, қизни чорлагандай бўлди.* Ж. Саъдуллаев, Қиз орзуси. *Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган, бутун касалхона уйқуда. Фақат аҳён-аҳёнда шипиллаган оёқ товуши эшитилиб қолади.* Х. Тўхтабоев, Садоқат.

2 Енгил ва тез-тез қадам ташламоқ, енгил ва тез-тез юрмоқ; зипилламоқ. -*«Лайлатулқадр» бизларни иззат қилиб, ўз оёғи билан уйимизга кириб келган экан. Ана, ҳозир шипиллаб чиқиб кетдилар, — деди Шарифа буви эрига.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *У* [*Хайри хола*] *ҳашарчиларни алқайалқай, шипиллаганча қўргончага кириб кетди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ШИПИРГИ *шв. айн.* **супурги 1**. *Кўча баққоллари шипирги баҳосини 3 ҳисса кўтарди.* «Муштум».

ШИПИРЛАМОҚ *айн.* **шипилламоқ**.

ШИПИРМОҚ 1 *шв.* Супурмоқ. *Отабой унинг дорихонасига юк ташиган, Олмахон эшик шипириб, кир ювган.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Эшигимни шипирсин бу қўмондон..* Ҳ. Олимжон.

2 *кўчма* Йиғиштириб олиб кетмоқ, шипшийдам қилмоқ. *Ўғрилар айёр бўлади, ўғлим. Улар тун қоронғисида келади-да, бирпасда шипиради-кетади.* Ойбек, Болалик. *Эртами-индин Дилдор албатта кетади. Бисот-бағални шипириб, уйни шипшийдам қилиб кетади.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 *кўчма* Кесиб, узиб ёки учириб кетмоқ (тиғ, ўқ ва ш.к. ҳақида). *Кеча Ҳомид ханжарли қўлини силтаб тортганда, ханжар унинг* [*Отабекнинг*] *бош бармоғи орасини суякка етгунча шипириб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *с.т.* Батамом еб тугатмоқ, еб қўймоқ. [*Эшон*] *«Ўлдирса ҳам, паловхонтўра ўлдирсин» қилиб, лаган-лаган ошни шипирибди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

ШИППАК Одатда ёзда кийиладиган, шунингдек, уйда оёққа илиб юриладиган енгил оёқ кийими; сандал. *Анчадан кейин шиппак товуши яқинлашди-да, эшик қирсиллаб очилди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Гавҳарнинг эгнида гулдор кўк крепдешин кўйлак, оёғида зар чизиқли юмшоқ шиппак..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШИПТИР *шв.* Сийдик. *Йўлчи қуруқ наматга ётиб, устига кўрпача ёпди. Кўрпачадан зах ҳиди билан от шиптирининг қўлансаси димоққа урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШИПШИ 1 Қулоққа оҳиста айтиладиган гап, сўз; пичирлаш. *Йигит уни мўъжаз қоматидан, чаққон юришидан дарҳол таниди. «Ҳаёт! Ҳаётим!» деб юборди у, қулоқларига бақириқдай эшитилган бир шипши билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Яширин маъно, қочирим. *Бошқалар ҳам бекка ҳайратланиб қарашди. Чунки унинг сўз оҳангида, ҳаракатида сирли бир шипши бор эди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов. Ота.

ШИПШИЙДАМ Ҳеч нарсаси қолмаган; ҳеч нарса қолдирмаган; қуп-қуруқ. *Тунов куни қарасам, бир туп ёнғоқ сийраклашиб қолибди. Болалар қоққандир, деб ўйладим. Бошқа куни яна бир туп ёнғоқ шипшийдам бўлибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Фозилжоннинг дўконлари шипшийдам бўлиб қолди.* И. Раҳим, Ҳилола. *Пичанлар ўрилган, шипшийдам дала, Тоғларнинг қошида қордан оқ лола.* Ҳ. Салоҳ.

ШИПШИМОҚ 1 Паст овоз билан бирор нарса демоқ; пичирламоқ. -*Бас! — шипшиди Тоҳир жувозкаш йигитга.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. -*Хўп, бўлмаса, — деди чол ва тўсатдан унга эргашиб, худди бошқалар эшитиб қолишидан қўрққандай, шипшиди.* О. Ёқубов, Ларза. -*Уйга толиб қолганимда, нариги хонада* [*онамнинг*] *Сўнагулга шипшиганини эшитиб қоламан.. — деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Ҳеч кимга эшиттирмай, билдирмай айтмоқ, билдириб қўймоқ. *Валасапит [велосипед] мингинг келган экан, бир оғиз шипшиб қўймайсанми қулоғимга.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Воҳидовга шипшиб қўйишни мен бўйнимга оламан.* С. Зуннунова, Янги директор.

ШИПШИТМОҚ *айн.* **шипшимоқ 2.** *Шунақа ишлар бўлаётган экан, бир оғиз шипшитиб қўйсанг ўлармидинг?!* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. -*У уйга чой сўраша, Йўлчи акангга келиб шипшит, Гулнор қи-*

зим! — деб тўй бекаси Лутфинисо кетди. Ойбек, Танланган асарлар. *Йў-ўқ энди, укам, бир оғиз телефонда шипшитиб қўймайсанмики, мен пешвоз чиқиб, кутиб олмайманми!* С. Анорбоев, Оқсой.

ШИР I *тақл.с.* Юпқа газмол йиртилганда, сув оққанда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Шу пайт шир этган товуш эшитилди-ю, қизнинг назарини ўзига тортди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Енги чокидан шир этиб сўкилди.* С. Сиёев, Аваз. *Кейин шир эткизиб, занжирини узиб олди-ю, қоронғиликка отиб юборди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Чумчуқ пир этса, юраги шир этади Ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, салга чўчийверадиган, жуда юраксиз, қўрқоқ одам ҳақида айтиладиган ибора. [*Холмат*:] *Пичоқни шу Ҳасан аканг урадими?! Чумчуқ пир этса, юраги шир этади-ю, бунинг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Шир этиб** Ногаҳон, тўсатдан. *-Ҳозир ҳаво яхши, эрта-индин шир этиб, намгарчилик бошланса, қўл билан қайси бирини териб бўлади, — деди Салим ота.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. **Шир яланғоч** Ҳеч нарса киймаган, қип-яланғоч. *Холжон хола ўлиб, бир неча минг йилдан кейин кўзини очса, маҳшаргоҳда юрган эмиш.. ҳамма шир яланғоч.* Ғайратий, Довдираш.

ШИР II [*ф.* شیر — сут] *шв. қ.* **сут 1, 2.** *Бинобарин, шоҳ қулларига мурувват қилиб, берадиган емагини андак ошириб, ҳафтага шир, ойга бир гўшт ҳам улаштиради.* А. Мухтор, Чинор.

Ширу шакар [*л.м.* қандли сут] *ад.* Маълум бир тартибда икки тилда ёзилган шеър; шундай шеър ёзиш усули. *Махмурнинг «Дар сифати Қосим бекларбеги» сатираси ширу шакар усулида ёзилган.*

ШИРА I [*ф.* شیره — шарбат, сироп; мусаллас, вино; кўкнор суви] **1** Ҳўл мева ва полиз экинлари ҳосили пишиб етилиши билан улар таркибида ҳосил бўладиган ширин суюқлик; шарбат. *Узумнинг шираси. Қовун шираси.* ▬ *У [қози домла] бир неча лаҳзада косани тушириб, юпқа пўстлоқ ичидан шираси томиб кетгудай бўлиб турган шафтолига қўл урди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қовун пишди, анор қизарди.. сенга атаб қўйган узумларим халта ичида шира боғлаб ётибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ўсимликлар танасида бўладиган суюқлик, намлик. *Эргаш барг шираси сингиб кетган қадоқ кафтига боқди.* А. Мухтор, Чинор.

3 Инсон ёки ҳайвон организми ҳужайраларида бўладиган суюқлик. *Баъзи безлар ўзидан шира чиқариб туради.* ▬ *Булар [баъзи овқатлар] ошқозон ости бези шираларининг кўп-кам чиқарилишига ёки ошқозон ва ичакларнинг ҳаракатига таъсир қилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

4 *с.т.* Кўкнор пўстини сувда эзиб тайёрланган, кайф берадиган ичимлик.

5 *кўчма* Бирор асар, гап, сўз ва ш.к. га хос мазмун, маъно. *Гапининг шираси йўқ одам.* ▬ *Бир халқ тилидаги асар иккинчи халқ тилига шу асарнинг бутун фазилати, шираси, жозибаси сақланиб таржима қилингандагина мақсадга эришилади.* Газетадан.

6 *кўчма* Оҳангдорлик, жарангдорлик; ёқимлилик (овоз ҳақида). *Овознинг шираси қочган, кексалик.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Кўзини шира босмоқ Кеккайиб, ҳеч кимни танимай, менсимай қўймоқ. *Ёзнинг нозу неъматлари ғанимат, сендан дарак йўқ. Ё бригадир бўлиб, кўзингни шира босдими?* Н. Ёқубов, Бўсағада. **Шира тортмоқ** (*ёки* **боғламоқ**) 1) шира ҳосил қилмоқ, шира тўпламоқ (*қ.* **шира 1**). *Узумлар шира боғлабди*; 2) қайнаб етилмоқ; қуюла бошламоқ (баъзи овқатлар ҳақида). *Мошхўрда шира тортди. Сумалак кўп қайнаб, шира боғлаб қолди;* 3) ёқимли, жарангдор бўлмоқ, тобига келмоқ (овоз ҳақида). *-Ҳозир Шерозийнинг овози айни шира боғлаган пайт, донғи Хоразмга тарқалган, — деди Собир ака.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШИРА II [*ф.* شیره] **1** Ўсимлик ширасини сўриб озиқланадиган майда текинхўр ҳашарот; ўсимлик бити. *Бу йил қовунга шира тушди. Ширага қарши курашда кимёвий дориворлардан фойдаланиш лозим.* ▬ *Шира кўп касофат нарса: ғўзанинг ёш баргларига ёпишдими, уни бужмайтириб қўяди, қанча-қанча ҳосили нобуд бўлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ўсимлик бити ҳаёт фаолияти натижасида ўсимлик баргларида ҳосил бўладиган ёпишқоқ ялтироқ суюқлик.

ШИРАВА [*ф.* شیره‌وه] **1** Сут юзида ҳосил бўлган янги қаймоқ. *Ширава қаймоқ. Сутнинг ширавасини пиёлага олмоқ. Ширавага нон ботириб емоқ.* ▬ *Янги сутнинг мазаси ширавадан қолишмайди.* Р. Файзий, Балли, она қизим. *Шарофат хола ўғли Мирпўлатга олиб келган бир коса ширава сутни*

Алижоннинг олдига қўйди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *-Офтобчувоқда нонушта қилиб ўтирибмиз. Нонушта қуюқ: икки косачада ширава қаймоқ, узум, — деди Шокиржон.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

2 *кўчма* Қор, қиров, муз кабилардан ҳосил бўлган юпқа қатлам. *Совуқдан челакдаги сув ширава боғлабди.* ▬ *Кечаси биринчи ширава қор ёғиб чиқди.* F. Fулом, Шум бола.

ШИРАВОР [*ф.* شیره وار — ширали нарсалар] Қанд-қурс, мева-чева каби ширин нарсалар мажмуи; қандолат, ширинликлар. *Қурилиш устахонаси, кийим тикиш, ширавор тайёрлаш.. каби цехлар бирин-кетин тарқатилди.* «Муштум».

ШИРАВОРПАЗ [*ф.* شیره وارپز — ширавор пиширувчи, тайёрловчи] *айн.* **қандолатчи**. *Халқ театрида шираворпаз, нонвой ва бошқаларга бағишланган комедиялар учрайди.* М. Қодиров, Ўзбек халқ драмаси.

ШИРАВОРПАЗЛИК *айн.* **қандолатчилик**.

ШИРАВОРЧИ *айн.* **шираворпаз**.

ШИРАДОР [*ф.* شیره دار — шираси бор, ширага эга] *айн.* **ширали**. *Ширадор қовун.* ▬ *Ҳозир ҳамма ерда дағал ва ширадор ем-хашак тайёрланмоқда.* Газетадан. *Унинг ҳар қандай ашула шинавандасини ўзига ром қила оладиган кучли ва ширадор овози бор.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ШИРАДОРЛИК Ширага эгалик, ширалилик. *Тутларнинг тури бемаза қовуннинг уруғидан ҳам кўп. Аммо халқ хўжалигида тутган ўрни, мевасининг ширадорлиги, қиймати жиҳатидан ҳеч бири балхи тутга тўғри келмайди.* «Фан ва турмуш».

ШИРАКАЙФ [*ф.* + *а.* شیره کیف — ширин кайф] Енгил кайфли, озгина кайфи бор. *Ширакайф киши. Ширакайф бўлмоқ.* ▬ *Қумрини ярим кечада ширакайф эри Салим аравакаш чақириб кетди.* Ҳ. Fулом, Тошкентликлар. *Мансур Раҳмоннинг олдидан ширакайф ҳолда хайрлашиб чиқиб кетди.* Ё. Шукуров, Уч савол. [*Арабжон*] *Баъзи кунлари.. ширакайф келарди.* С. Зуннунова, Излар.

ШИРАЛИ 1 Таркибида шираси бор, шираси кўп; ширадор. *Ширали узум. Ширали озуқа.* ▬ *Полизлардаги ширали қовунлар кечки куз совуғида ёрилиб кетиб, «мени енглар», деб термилиб турибди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бутазорнинг ўртаси ялanглик. У ерда жуда ширали ўтлар ўсади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Шира юқли, шира теккан. *Ширали, ювуқсиз қўлларини икки томонга ёйиб, хушламайроқ, меҳмонга елкасини тутди келин.* А. Мухтор, Кумуш тола.

3 *кўчма* Мазмунли, маънодор; сермазмун. *Ширали гап.*

4 *кўчма* Хуш ёқадиган, ёқимли; жарангдор (овоз, куй ва ш.к. ҳақида). *-У* [*Элмурод*] *баъзан ўзи русча ўқиганларини гапириб берар, лекин бу, ўқиб бергандай ширали ва маънодор бўлмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу қўшиқ шунчалар ёқимли, ширали эдики, темирчи йигитнинг юрагида аллақандай бир ҳисни уйғотиб юборди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ШИРАЛИК Ширинлик, қанд-қурс; мева-чева.

ШИРАПАЗ [*ф.* شیره پز — шарбат, ширинлик тайёрловчи] *айн.* **шираворпаз**.

ШИРАПАЗЛИК *айн.* **шираворпазлик.**

ШИРАСИЗ 1 Шираси йўқ; мазасиз. *Ширасиз мева. Ширасиз озуқа.*

2 *кўчма* Мазмуни йўқ, мазмунсиз, маъносиз; зериктирарли. *Ширасиз лекция.* ▬ *Бу газеталардаги кўпгина материаллар юзаки бўлиб, ширасиз тил билан ёзилган ва газетхонларга фалон жойда иш яхши, фалон жойда иш ёмон, деган хабарларни етказади, холос.* Газетадан.

3 *кўчма* Хуш ёқмайдиган, ёқимсиз (овоз, куй ва ш.к. ҳақида). *Ширасиз овоз.*

ШИРАЧ *айн.* **сирач**. *Кичкина ўтмас газан билан чармларни кесдим. Ширач билан бирбирига ёпиштирдим.* Ойбек, Болалик.

ШИРАЧЛАМОҚ *айн.* **сирачламоқ**. *Дўппи калнинг бошига ширачлагандек ёпишиб қолган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Иккита ёнғоқни чақиб, тўртта оёғига тўртта палласини сирачлаб кийдириб қўйдим.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

ШИРБОЗ [*ф.* شیرباز] Сут эмиб ўсаётган, семиз (қўзи). *..ичига ширбознинг гўштини қиймалатиб солдирганман.* С. Нуров, Нарвон. *Темурланг ҳар гал отарга келганда, Менглибой унга ширбоз пишириб берар, яхши тушган териларни кўрсатарди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ШИРВОЗ *қ.* **ширбоз**. *-Хосхонадан икки бекзот келганди.. Унга сўйиб бердик ширвоз қўзингни..* «Орзигул». *Шўх ширвозларнинг орасида Аваз даладан топган.. қўзичалар ҳам*

ўйноқлаб юрибди. П. Қодиров, Қора кўзлар. *Ҳозир айни ширвоз қўзилар сўйиляпти.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ШИРГУРУЧ [*ф.* شیربرنج – сутли шавла] Гуручни сутда пишириб тайёрланган шавласимон қуюқ таом. *Кечқурунги овқат учун ширгуруч, қуймоқ, тухум кабилардан бири берилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Ширгуруч пишираётганингизда, гуручга оз-оздан совуқ сут ёки сув қуйиб турсангиз, эзилиб кетмайди.* Газетадан.

ШИРДОН [*ф.* شیردان – сут идиши; қўйнинг ошқозони] *анат.* Кавш қайтарувчи ҳайвонлар меъдасининг бир бўлими. *Чайналган овқат ютилганда, ошқозоннинг тўртинчи бўлимига – ширдонга ўтади.* «Зоология».

ШИРЗАДА [*ф.* شیرزده – яхши эмолмайдиган бола; қилтириқ бола] **1** *тиб.* Организмда минерал тузларнинг етишмаслиги, модда алмашинувининг бузилиши туфайли ёш болаларда учрайдиган суяк касали – суякларнинг ўз вақтида қотмай, нотўғри ўсиши; рахит.

2 *с.т.* Шундай касалга чалинган бола.

ШИРИЛЛАМОҚ «Шир» этган овоз чиқармоқ. *Чит шириллаб йиртилди.* ▬ *Бир жойда сувни тизгинлашга улгурса, нарироқдан шириллаб уриб кетади.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ШИРИН [*ф.* شیرین – мазали, тотли; шакарли; ёқимли] **1** Шираси ўткир, ширали. *Ширин қовун. Ширин ичимлик.* ▬ *Ширин меваларга ўрганган оғизларига бу ернинг нордон неъматлари ёқмади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Таъми ёқимли, мазали, лаззатли. *Ширин шўрва.* ▬ *-Албатта, албатта, – деди Сулаймонов жиддий қиёфада, – масалан, балиқ – кўп яхши нарса, қовурилса, қандай ширин бўлади!* А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун. *Менинг икки онам бор, Иккиси ҳам меҳрибон: Бири менга сут берди, Бири эса ширин нон.* Уйғун. *..сиз пиширган таом шу даражада ширин, лаззатли бўладики..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *кўчма* Киши ҳузур қиладиган, ором оладиган, лаззатланадиган, хуш ёқадиган; ёқимли, ёқимтой. *Ширин хаёллар. Ширин туш кўрмоқ. Ширин муомала. Ширин сўз шакардан ширин.* Мақол. ▬ *Муҳаррам ширин табассум билан кулди-да, бежирим лабининг икки бурчагини нозик тўр тутилган дастрўмолчаси билан артиб қўйди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бир оғиз ширин сўз – нондек арзанда.* F. Fулом. *У шовқин-сурон ичида шундай ширин ухлардики, бундай уйқу ҳалол ишлаб чарчаган вақтдагина бўлиши мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Вой, мунча ширин бўлмасанг! ..Жуда ақлли боласан-да!* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Дўмбилламай қолсин шу ширинлар-ей! – дегувчи эди, ҳарбийларни кўрганда бир ўртоғим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

4 Аҳил, тотув. *Ширин оила.* ▬ *Дунёда битсин уруш, Ер юзи кўрмасин доғ, Гулласин ширин турмуш, Тинчлик бўлсин ҳамма ёқ.* Қ. Муҳаммадий.

5 Ширин (хотин-қизлар исми).

Жони ширин Ўзини ниҳоятда аяйдиган, оғриққа, оғир ишга тоби йўқ.

ШИРИНАК [*ф.* شیرینک – «ширин» с. дан] Қовун-тарвузнинг энг ширин намуналарини танлаш ва баҳолаш мақсадида ўтказиладиган анъанавий мусобақа. *Полизларда тилёрар ананаслар тўрлар, шакарпалак, оқуруғлар дум бериб, ариқ бўйларида «ширинак» ўйинлари бошланиб кетганди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Ширинак ўйнамоқ Ким танлагани, кимники ширин чиқиши учун баҳслашмоқ (қовун, тарвуз ҳақида). *-Бир ширинак ўйнаймиз, – деди раис йигитларга. – Ҳар ким ўзи танлаб узиб чиқсин.* Ҳ. Иброҳимов, Ойдин кечада.

ШИРИНДИМОF [ширин + димоғ 2] Кайфияти яхши, димоги чоғ, хурсанд. *Ширидимоғ йигит.* ▬ *Кечагина машиначи қўлидан чиққан, бостон ёки коверкотдан тикилган костюмингиз бўлса, кайфингиз чоғ, ўзингиз шириндимоғ!* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ШИРИНКОМА Олди-сотди вақтида ўртада турган воситачига, шунингдек, бошқа кишига (ҳатто болаларга) бериладиган ҳақ, пул. *Ширинкома бермоқ.* ▬ *-Мана бу ширинкомаси, – деди пулни узатиб тўра. – Муҳлати – узоғи билан ўн кун.* Ж. Шарипов, Хоразм. *-Гапни чалғитма?! Мендан ширинкома ундиролмайсан, – деди Самсоқбой.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

ШИРИНЛАМОҚ *кам қўлл.* Ширин қилмоқ, маза киритмоқ. *-Чойларингизни ширин-*

лагани келдим, — деди Бозоров. — Мана бир пакет новвот. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШИРИНЛИК 1 Ширин таъмга эгалик, ширалилик, ширин эканлик, тотлилик, ёқимлилик. *Тарвузнинг ширинлиги. Суҳбатнинг ширинлиги. Боланинг ширинлиги.* ▬ *Ширинлиги тил ёрар, Ҳиди ўткир, бўйи паст. Пишганини кўрдим-у, Ейман, дея қилдим қасд.* Уйғун.

2 Қанд-қурс каби ширин нарсаларнинг умумий номи, ширавор. *У ёшлигида ҳам ширинликка ўч эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *-Тўйдан шу болага атаб бир кафт ширинлик ҳам келтирмабсан, — деди Ўроз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гап унчалик қовушмаётгани учун бўлса керак, жувон чойни тўхтатди. Эрининг ёрдамида хонтахта устини ширинликлардан бўшатди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Шоду хуррамлик, вақтичоғлик, хурсандлик; яхшилик. *Ширинлик билан ҳаёт кечирмоқ. Тўй ширинлик билан ўтди.* ▬ *[Ҳайитжон:] Ундан кўра, ширинлик билан, ўйнаб-кулиб жавоб бер-қўй.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ШИРИНМИЯ Дуккаклилар оиласига мансуб, илдизи саноат ва тиббиётда ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик; қизилмия. *Хайробод дарёлари ёқаларида ширинмия деган ажойиб тўйимли озуқа кўп ўсади.* Газетадан. *Айниқса, у ерларда [Зарафшон қирғоғида] одам бўйи бараварида ўсадиган ширинмия молга ёқимли ва семиртирувчи бир ем эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ШИРИНСУХАН [*ф.* شیرین‌سخن — ширинсўз, ёқимли гапирадиган] *айн.* **ширинсўз**. *Ширинсухан аёл.* ▬ *У ҳам хотинидай жуда ширинсухан, ҳазилкаш одам экан.* С. Анорбоев, Меҳр. *У маст бўлганда, биров билан уришмас, аксинча, иноқ бўлиб.. ашулалар айтиб берарди. Жуда ширинсухан ва бир оз эзма бўларди.* Мирмуҳсин, Умид.

ШИРИНСЎЗ Гапи, сўзи кишига ёқадиган, ёқимли гапирадиган; ширинсухан. *Ширинсўз йигит.* ▬ *У одамларнинг ҳаммаси ҳам мулойим, сермулозамат, сертаъзим, ширинсўз бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ШИРИНСЎЗЛИК Ширин, ёқимли сўз айтиш, шундай хислатга эгалик; ширинсўз эканлик. *Мунисхон.. келинчакдай абжирлик билан Саидийнинг қўлидан пальтосини олиб, қозиққа илди ва ўшандай ширинсўзлик билан ичкарига таклиф қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бу хотинда, ширинсўзлиги ва ташқи кўринишини ҳисобга олмаганда, сатангликдан учқун ҳам йўқ эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ШИРИНТАК: ширинтак ўйнамоқ *шв. айн.* **ширинак ўйнамоқ** *қ.* **ширинак.** *Қовун сайилларида ширинтак ўйновчилар фақат Каттақишлоқ қовунларини танлар ва уни қидирар эди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ШИРИНТОЙ *с.т.* Ёш болаларни суйиб, эркалаб айтиладиган сўз; ёқимтой. *Бобом қалин лабларини жўрттага қабартириб: -Бўббўб-бўб.. Айланай ширинтойдан, — деди.* Ойбек, Болалик.

ШИРИНТОМОҚ Мазали, ширин овқатни яхши кўрадиган, шунга ўрганган. *Ширинтомоқ хотин.* ▬ *Соҳибкор ўзбексан, бу ер — полизинг, Мен эса — шаҳарлик бир ширинтомоқ.* Ғ. Ғулом. *Бу ерда ширинтомоқ бўлиб қолгансан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИРИНЧА I *тиб.* Болаларда организмнинг заифлашуви туфайли баданга майда қизил яра-чақа тошиши билан ифодаланадиган касаллик. *Ширинча тошган бола. Ширинча яраси.*

ШИРИНЧА II Сачратқининг халқ орасида тарқалган номи (*қ.* **сачратқи 2**).

ШИРИН-ШАКАР 1 Жуда ширин, ниҳоятда ширин. *Ширин-шакар қовунлар.*

2 *кам қўлл.* Турли ширинликлар мажмуи. *Ғиёсиддин аъламнинг косовга ўхшаган қопқора қўлларида эса турли ноз-неъмат, ширин-шакар, қанд-қурс, патир-ширмонлар билан безатилиб, устига шойи рўмолчада қиттай туз қўйилган каттакон баркаш бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Хулқ-атвори ёқадиган; ёқимли; суюмли. *Ширин-шакар болалар.*

ШИРИҚ *тақл.с.* Металл, шиша парчалари каби нарсаларнинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўлган товушни билдиради. *Шириқ этмоқ. Пиёла синиғи шириқ этиб ерга тушди.*

ШИРИҚЛАМОҚ «Шириқ» этган товуш чиқармоқ; шиқирламоқ. *Стол турли ноз-неъматлар билан безатилган, унинг бир четидаги кичкина сариқ самовар устида турган қизил чойнакнинг қопқоғи шириқлар эди.* А. Қаҳҳор, Картина. *От туёқлари бўғиқ тап-туп қилади, эгар-жабдуқлар аста шириқлайди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

ШИРК [*а.* شرك – бирга қатнашиш, шериклик; Аллоҳнинг шериги бор деб ҳисоблаш; кўпхудолилик] *дин.* Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишларида ва ҳукмларида шериги бор, деб эътиқод қилиш (ширк кечирилмайдиган катта гуноҳ ҳисобланади).

ШИРКАТ [*а.* شركت – шериклик; уюшма] **1** Маълум ишни бирга амалга ошириш мақсадида бирлашган кишилар ҳамкорлиги, ўртоқлик уюшмаси, ихтиёрий бирлашмаси. *Улар ер, сув, от-улов, омоч-бўйинтуруғини бир ерга тўплаб, катта ширкат тузишди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Зум ўтмай: «Ҳамма ширкат идорасига борсин, Охунбобоев ваъз айтади», деб хабар қилишди.* Р. Раҳмонов, Изида гул унган.

2 Тенг ҳуқуқли иштирокчилардан ташкил топган саноат ёки савдо уюшмаси. *Пайчилик ширкати.* ▬ *Абдулланинг отаси Азиз ака керосинфуруш эди. От-арава билан кўчама-кўча юриб, Нобель ширкатининг керосинини сотар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *У* [*Мирзо*] *Николай замонасида ширкатларда, фирмаларда мирзолик қилиб, ўз хизматини манзур қилган эди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

ШИРМА [*нем.* Schirm < *лот.* corium – тери, кўн] **1** Хонани бўлиш, айириш учун ишлатиладиган махсус йиғма тўсиқ, парда девор. *Моҳидил ширма орқасига ўтиб, ечина бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *кўчма с.т.* Яшириш, пардалаш учун хизмат қилувчи шахс, нарса, хатти-ҳаракат.

ШИРМОЙ(И), **ширмой(и) нон** [*ф.* شيرمال – сут қўшилган нон] Олий навли унга нўхат унидан қўшиб, сут ва ёғ солиб тайёрланган нон. *Йигитча ўчакишгандай сеткада ширмойи кўтариб ўтиб кетди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Фахриддин бозордан, отаси тайинлаганча, иккита ширмой нон, ярим қадоқ писта олди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

ШИРМОН, **ширмон нон** *с.т.* Ширмой(и). *Қиз ширмондан бир бурда ушатиб, йигитга узатди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *..саватлардаги ширмон нонларни кўрганда, боланинг кўзлари олайиб, ичдан «ана овқату мана овқат!» деб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИРОЛҒА *шв.* Овланган ов, ўлжа ёки ютуқнинг бировга бериладиган қисми; чўтал. *Шундай мерганлар ўзимизнинг элда бир нима олиб келаётса, биров, широлға, деб олдига чиқса, иккита бўлса – биттасини, битта бўлса, яримтасини широлға, деб бериб кетади.* «Ёдгор».

ШИРТ *тақл. с.* Ип, барг кабилар узилганда ёки қирқилганда чиқадиган қисқа товушни билдиради. *Ип ширт этиб узилди. У гулни ширт этиб кесиб олди.*

ШИРХЎРА [*ф.* شيرخوره – сут ичган; эмизикли бола] Бир онани эмган, эмишган; эмикдош. *Лекин Холмўминнинг онаси ўлди, бола этак остида қолди, Холбеканинг онаси эмизиб катта қилди. Булар ширхўра бўлиб, никоҳ юрмайдиган бўлиб қолди.* «Кунтуғмиш».

ШИРХЎРДА [*ф.* شيرخورده – сутли хўрда; сут ичган] Сутда пишириладиган хўрда. *Баъзида.. ширқовоқ ва ширхўрда каби таомлар, совиганда ҳам ўз лаззатини йўқотмаганлиги учун, ёзнинг иссиқ кунларида совуқ ош сифатида истеъмол қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ШИРЧОЙ I [*ф.* + *хит.* شيرچاى – сутли чой] Мароми билан чой, туз, сариёғ ва мурч солиб қайнатилган сут. *Ширчой ичмоқ.* ▬ [*Мунаввар*] *Нонуштага, одатдагидай, ширчой тайёрлаган эди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Йўлдошалининг онаси икки чинни косада ширчой узатди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ШИРЧОЙ II [*ф.* + *хит.* شيرچاى] Атиргуллилар оиласига мансуб, илдизи бўёқ ва ишқор моддаларига бой кўп йиллик ўт.

ШИРҚ *айн.* **шириқ**. *Ширқ этиб эшикнинг қулфи очилди.* У. Назаров, Биринчи учрашув.

ШИРҚИЛЛАМОҚ «Ширқ-ширқ» этган товуш чиқармоқ, шириқламоқ, ширқирамоқ. *Белда беллик билқиллаб, Меҳтарада сув ширқиллаб, Йўлга тушди қирқ ботир, Бедов отлар пирқиллаб.* «Хушкелди».

ШИРҚИРАМОҚ «Ширқ-ширқ», «шириқ-шириқ» этган овоз чиқармоқ. *Оққан сувдай ширқираб, Шамолдай бўп боради.* «Равшан».

ШИРҚОВОҚ Сут ва ошқовоқ солиб пишириладиган хўрда. *Кечки овқатга хўжайин ширқовоқ қилдирган экан, олиб чиқиб, олдимизга қўйди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ШИТИР *тақл. с.* Қуруқ ўт, шох-шабба, қоғоз ва ш.к. нинг қўзғалишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Шитир этмоқ. Шитир этган шарпа. Алланарса шитир этиб кетди.* ▬ *-Мен «шитир» этган товушдан ҳадиксирайман, гапнинг рости, ўз

дўстим Холбойдан ҳам ҳадиксираб ўтирибман, — деди Усмон. О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Аммо шипшиси шохлар шитирига қўшилиб кетди. Ҳаёт эшитмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИТИРЛАМОҚ «Шитир» этган товуш чиқармоқ; «шитир-шитир» қилмоқ. *Тол ва тераклар енгилгина тебранар, япроқлар эса чапак чалиб шитирларди.* Газетадан. *Қамишлар сирли шитирлар.. қушларнинг узуқ-юлуқ чирқиллаган саси эшитилиб қоларди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ШИТОБ [*ф.* شتاب — шошилган; шошқалоқлик, ҳовлиқмалик; тезлик] **1** Ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик; шошилиш, ошиқиш. *Жоним олурға келдингиз, Мунча шитобингиз нима?* Ҳувайдо. *Кема сувнинг шиддатига дош беролмай чайқалар.. Ғайрат бўтана сувнинг шитобига қараб ўйларди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Тезлик билан, тез. *Велосипедни шитоб ҳайдаб келганидан, нафаси оғзига тиқилиб, афт-башараси терлаб кетган эди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Келганининг иккинчи куниёқ шитоб ремонтга уннади.* Ҳ. Шамс, Душман.

Шитоб қилмоқ (*ёки* **айламоқ**) Тезлик билан ҳаракат қилмоқ; шошилмоқ. *Ҳар ишда шитоб қилмағайсан, Бу демак, муродға етмағайсан.* «Фан ва турмуш». *Ойнакўлга бориб қолдим, айлаб мен шитоб, Кўк камзулли у оҳуни излаб сарсари.* А. Орипов.

ШИФЕР [*нем.* Schiefer] Асбест билан цементдан ёки сланецдан тайёрланадиган ва том ёпиш учун ишлатиладиган бинокорлик материали. *Том ёпиш учун икки юз тахта шифер керак.* ▬ *Дарвозахона олдидаги усти шифер билан ёпилган омонат гаражда.. эски бир «Москвич» турибди.* С. Аҳмад, Таъзим.

ШИФО [*а.* شفاء — даволаниш, соғайиш; дори-дармон] **1** Касалликдан халос бўлиш; соғайиш, тузалиш. [*Шокир ота:*] *Энди шифони ёлғиз оллодан, халлоқи оламдан сўра. Табибларнинг табиби у.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммо эшонга ихлос қўйиб, ундан шифо умид қилиб, касалларни олиб бориб ўқитадилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

Худо (*ёки* **олло**) **шифо берсин** Беморга тасалли бериш учун айтиладиган ибора. *Олло Тоҳиржонга шифо берсин, ниятим шу.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тиланчи кампир яна қўлини кўтариб: -Худо шифо бергай! — деб дуо қилди.* С. Айний, Қуллар. **Шифо топмоқ** Касалдан халос бўлмоқ; тузалмоқ. *Табиб қўй жигарини хом кабоб қилиб, бужғун сепиб енг, деган экан, бир-икки қипти, лекин дарди шифо топмабди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор касалликдан халос бўлиш, соғайиш воситаси; даво, дори. *Чортоқ суви кўп дардларнинг шифоси.* С. Абдулла. *Э, э, болам, тоғ ҳавосига нима етсин. Турган-битгани шифо-ку.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШИФОБАХШ [*а.* + *ф.* شفابخش — шифо бағишловчи, шифо бўлувчи] Саломатликни яхшилайдиган, шифо бўладиган, даво бўладиган; шифоли. *Шифобахш ҳаво.* ▬ *Маълумки, Ўзбекистон қуёшининг шифобахш хусусиятлари чексиз.* М. Жалолов, Шифокор. [*Қудрат ариқдаги сувдан бир ҳовуч олиб:*] *Сенинг бу шифобахш сувингга ўн йил ташна бўлдим.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ШИФОБАХШЛИК Шифо бахш этиш, шифо бўлиш хусусияти. *Шифохонанинг.. минерал сувлари шифобахшликда денгиз сувидан қолишмайди.* Газетадан.

ШИФОКОР [*а.* + *ф.* شفاکار — шифоловчи, даволовчи] **1** Умуман, касалликдан халос қилувчи; даволовчи. *Шифокорлар қадимги даврлардаёқ заҳарли моддаларнинг инсон сиҳат-саломатлиги учун нафи борлигини эътироф этганлар.* З. Эгамбердиев, Заҳарнинг нафи. *Қишлоқ врачи ҳам шифокор, ҳам маърифатчи бўлмоғи зарур.* Газетадан.

2 Тиббиёт институтини битирган ва даволаш-профилактика ҳамда санитария-эпидемиология муассасаларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлган мутахассис; врач, дўхтир. *Ёмон шифокорнинг қотилдан фарқи йўқ.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Иш куни охирида шифокорлар, ҳамширалар, санитарлар кетиб, навбатчилар келишади.* Газетадан.

ШИФОЛАМОҚ *кам қўлл.* Касалликдан халос қилмоқ, даволамоқ. *Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган — табиб, деганлари сингари, мен ҳам майда-чуйда касалларни шифолаб тураман.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Максим ака ана шундай чоқларда, айниқса, бетоқат болаларнинг синиғини ушлаб, чиқиғини солаётганда, уларни овунтириб, кўнглини топиб шифоларди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШИФОЛИ 1 *айн.* **шифобахш.** *Бу шифоли сувнинг яхши хусусиятини эшитган ва бу ер-

да даволанишни истаганлар тобора кўпаймоқда. Газетадан.

2 Шифоси бор, даволаб бўладиган. *Шифосиз касалга ҳар бир дори-дармон заҳардек амал қилар экан.. шифоси бўлса-чи, сув ҳам доридек яхши амал қилиб, бемор тузалаверар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШИФОЛИК Шифо бўлиш хусусияти. *Бу ўсимликнинг шифолиги бор.* ▬ *Бир гал икки муллавачча ўртасида, шифолик учун бўза ичилса, ҳалолми, ҳаромми? деган масала устида талаш чиқди..* [*Эшон*] *«Азбаройи шифолик учун бўза ичилса, ҳалол!» деб жавоб берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИФОН [*фр.* chiffon – латта] Юпқа ип ёки ипак газлама. *Бир кийимлик шифон.* ▬ *Фарғона ип-газлама комбинати калава ип, шифон, хом сурп.. ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради.* Газетадан.

ШИФОНЬЕР [*фр.* chiffoner < chiffon – латта] Кийим-кечак сақланадиган шкаф, жавон. *Собиржон яна уйга кирди. Шифоньерни очиб қараса, фақат ўз кийимлари осилиб турибди.* С. Шамсиева, Сепсиз келин. *Шифоньер ойнасига қараб, сочини ўриб турган Ҳалима қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.* Ҳ. Зиёхонова, Қишлоқи.

ШИФОСИЗ Давоси йўқ, тузалмайдиган. *Тоҳиржон киноя билан жилмайди: -Шифосиз касалга ҳар бир дори-дармон заҳардек амал қилар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШИФОХОНА [шифо + хона] Даволаш муассасаси; касалхона. *Болалар шифохонаси.* ▬ *Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди.* И. Раҳим, Ихлос. *Пиримқул бир неча ой шифохоналарда даволанди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ШИФОЧИ *с.т. кам қўлл. айн.* **шифокор**. *Ҳозир ҳар бир маҳаллада, қишлоқда ўнлаб халқ шифочилари – докторларни кўриш мумкин.* Газетадан.

ШИФР [*фр.* chiffre – рақам, сон < *а.* صفر – ноль; ҳеч нарса; бўш] **1** Махфий ёзишмалар учун ишлатиладиган шартли алифбо; махсус мақсадлар учун мўлжалланган шартли белгилар мажмуи. *Шифр билан ёзилган телеграмма. Хатни шифр билан ёзмоқ.*

2 Кутубхона китобларига, айрим ҳужжат ва ш.к. га қўйиладиган рўйхат рақами, бошқалардан фарқловчи белги.

ШИФРЛАМОҚ 1 Шифр билан ёзмоқ. *Телеграмма матнини шифрламоқ.*

2 Кутубхона китоблари, ҳужжат ва ш.к. га рўйхат рақами ёки бирор белги қўйиб чиқмоқ. *Китобларни шифрламоқ. Ҳужжатларни шифрламоқ.*

ШИФТ Хона, айвон ва ш.к. нинг ички тепа қисми, томнинг хона ичидан кўринадиган тепа қисми. *Бир вақтлар турли ранглар билан бўялган уйнинг шифтлари оташдонда ёқилган ўт тутунидан хираланган.* Ҳ. Шамс, Душман. *Ўқитувчилар хонасининг шифтида тўрт чироқли қандил ёниб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Шифтдек бўлиб Бутун бўй-басти билан тик ҳолда (новча одамларга нисбатан қўлланади). *Энди кетмоқчи бўлиб турган эдим, қаердандир шифтдек бўлиб Қодирбек пайдо бўлиб қолди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Бегмат Суннатов қўшниси томонга қараганча, қоронғида шифтдек бўлиб турарди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ШИХАНГ: шиханг бермоқ Бирор ёмон иш ёки ҳаракат қилишга ундамоқ, тезламоқ, гижгижламоқ; бировга қарши йўналтирмоқ. *Эрига шиханг беришга одатланган аёл.*

ШИХАНГЛАМОҚ *айн.* **шиханг бермоқ** *қ.* **шиханг**. *Тўнгиз қўпгур ўша «Қорағужанак» шиханглаяптими сизни? Ёмон йўлдошдан йўнмаган таёқ яхши, дегандай бир кун сизнинг бошингизга етади у.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ШИХТА [*нем.* Schicht] *махс.* Хомашё (руда, кварц қуми ва ш.к.) ва ёқилғи аралашмасидан иборат, эритишга тайёрланган қатлам. *Шиша пиширишда даставвал, шихта – хомашё аралашмаси тайёрланади.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиши тарихидан.

ШИШ Организм тўқималарининг ташқи таъсир ёки касаллик туфайли бўртиб чиқиши; бўртма; ўсма. *Ёмон шиш. Ўпка шиши. Шишни даволамоқ.* ▬ *-Ахир дармоним йўқ, бод касалим бор, оёғим шиш, бу йил менга раҳм қилинг, – деб ялинди Шариф ота.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Агар бу шиш газак шиши бўлса, пахтадоғ фойда қилади, лекин рак шиши бўлса, авж олдиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ШИША [*ф.* شیشه – ойна, шиша; бутилка] **1** Кварц қумига бошқа баъзи моддаларни қўшиб эритиш ва кимёвий ишлов

бериш йўли билан олинадиган қаттиқ ва шаффоф материал; ойна. *Шиша эритадиган печь. Шиша ишлаб чиқармоқ.* ▬ *Бу доктохона тўғрисида Сотиболдининг билгани шу: салқин, тинч.. баланд ва чиройли оқ иморат; шиша қабзали эшигида қўнғироқ тугмаси бор.* А. Қаҳҳор, Бемор.

Шиша ранг, шишаранг Ниҳоят тоза, мусаффо, шаффоф. *Шиша ранг осмон.* ▬ *Шарқираб оқаётган шиша ранг сувнинг жилосида.. эндигина уйқусидан турган, ҳали юзларини ювиб улгурмаган тонг.* Р. Файзий, Балли, она қизим!

2 Шундай материалдан ясалган ҳар хил шаклдаги турли идиш ва буюмлар. *Бир шиша атир. Пиво шишаси.* ▬ *Унинг бахтига бир вақтлар стадионда биргалашиб бўш шишалар терган болалардан бири йўлиқиб қолди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Лекин бу ўқларнинг бири деворни тешиб кетди, иккинчиси чироқ шишасини чил-чил синдирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ШИШАДАМ [*ф.* شیشه‌دم – шишани дамловчи, пуфловчи] Шиша саноатида: пуфлаб шиша буюмлар ясовчи ишчи.

ШИШАДОШ *айн.* **бутилкадош**. *Менсиз ҳолингиз нечук, Шишадошлар, ассалом.* «Муштум».

ШИШАК [*ф.* شیشک – бир ёшли қўй] Бир ёки икки ёшли қўй.

ШИШАСОЗ [*ф.* شیشه‌ساز – шиша ясовчи] Шиша саноатида ишловчи шахс. *Шишасоз шарни темир қоплама ичига солиб, шу кўринишида унга патент олди.* «Фан ва турмуш».

ШИШИНМОҚ 1 Шишмоқ 1-3 фл. ўзл. н. *Бемор бир оз шишинган эди.*

2 *кўчма* Манманлик билан кеккаймоқ, мағрурланмоқ, кибрланмоқ. *-Сизга ўхшаган тажрибакорлар билан кенгаш қилган эдим, чақиртирсам, бормадингиз, – деди Турғунов. -Қачон? Ҳеч хабарим йўқ, – сал шишиниб деди Бўрибой.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Раҳбар шишинса, элни хонавайрон қилади.* Н. Ёқубов, Жон.

ШИШИРМОҚ 1 Шишмоқ 1-3 фл. орт. н. *Ари чақиб, қовоғимни шишириб юборди. Шарни пуфлаб шиширмоқ. Велосипед камерасини дамлаб шиширмоқ. Хўл беда сигир қорнини шишириб юборади.* ▬ *Самандаров кулиб юбормаслик учун лунжини шиширди ва жаҳл билан столнинг тортмасини тортиб, унинг аризасини қидирган бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Оз, кичик нарсани кўп ёки катта қилиб кўрсатмоқ, муболаға қилмоқ. *Баъзилар асарнинг ижобий томонини шишириб кўрсатишга уринадилар.* ▬ *Менинг йўқ гуноҳимни шиширган ўшалар.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

Мияни (*ёки* **каллани**) **шиширмоқ** Мияни ниҳоятда чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, гангитиб қўймоқ. *Саҳардан оқшомгача чархнинг ғув-ғуви каллани шиширади.* Ойбек, Улуғ йўл.

ШИШМОҚ 1 Организмда ёки унинг бирор қисмида ташқи таъсир ёки касаллик туфайли шиш ҳосил бўлмоқ. *Унинг оёғи шишиб кетибди.* ▬ *Кўп йиғлаганликдан [Кумушнинг] кўзлари қизарган, қовоқлари шишган, юзлари бўртган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Чол қўйлар шишиб ўлган ўша бахтсиз ҳодисадан бери ўғлига бунчалик ширин гапирмаган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бўртиб катталашмоқ; бўртмоқ. *У ҳар тош кўтарганда, билагидаги, бўйинларидаги томирлари бармоқдек-бармоқдек бўлиб шишиб чиқади.* С. Аҳмад, Йўлда.

3 Ҳаво, газ ва ш.к. билан тўлиб кенгаймоқ, қаппаймоқ. *Бола қанча пуфласа ҳам, пуфак шишмади.* ▬ *Нусратбек катта уйнинг бир тавақа деразасини балконга қаратиб очиб қўйди. Тўрпардалар шишиб, уйга илиқ шабада кирди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

4 *кўчма с.т.* Семирмоқ, семириб кетмоқ, тўлишмоқ. *-Мен шишиб кетсам, сен симёғочдек қолибсан! – деди Хўжақул ва қийқириб кулди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

5 *кўчма* Ғурурланган, димоғи кўтарилган ҳолатда бўлмоқ. *Матжон бобо, шишманг, кўпирманг, Сизни кўкка олиб чиқди банг.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Бунақа қулайликларга у илгари ҳам осонликча эришарди.. туғма талантим бор, деб кўкрагига уриб қўярди. Ҳозир эса талантга шишадиган хонаси эмас.* «Ёшлик».

Боши (*ёки* **мияси, калласи**) **шишмоқ** Нима қиларини билмай ҳайрон ҳолатда бўлмоқ; боши қотмоқ. *Эшитдим, лекин нима чора қиласиз? Шу кунда ҳамманинг боши шишган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дояча ким.. нечта эркак ва нечта хотин айтиладир ва кимлар? – мана шунингдек масалалар*

билан Ўзбек ойимнинг мияси жуда шишган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Димоғи шишмоқ** Жуда ҳам кеккайиб кетмоқ, ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган бўлмоқ. *Жуда димоғингиз шишиб кетувди, бундан буён қадамингизни билиб босадиган бўласиз.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. **Ўпкаси шишмоқ** 1) қаттиқ югуриш ва б. сабабли нафас олиши оғирлашмоқ, ўпкаси тиқилмоқ. *Розиқ.. ўрнидан турди-да, югурганича кетди. Салдан кейин ўпкаси шишди, оёғида дармон қолмади.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) йиғлар даражада алам қилмоқ, ўпкаси тўлмоқ. *Девонанинг ўпкаси шишиб кетди. Эрмакчилар унинг юрагига галма-гал ўт ёқар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШИҚ *тақл.с.* Мўрт нарса синганда ёки икки қаттиқ нарса бир-бирига урилганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Шиқ-шиқ товуш эшитилди.*

Шиқ этмоқ «Шиқ» деган товуш чиқармоқ. *Бирдан эшик шиқ этиб очилди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Сарой амалдори президент бандлигини, гаплаша олмаслигини айтиб, шиқ этиб трубкани илди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ШИҚИЛДОҚ Силкиганда «шиқ-шиқ» товуш чиқарадиган, шиқирлайдиган болалар ўйинчоғи; шақилдоқ. *Марзия хола кичкина шиқилдоқни олиб келиб, неварасининг қўлига тутқазди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ШИҚИЛЛАМОҚ «Шиқ-шиқ» этган товуш чиқармоқ, шиқирламоқ. *Чойхонада одам кўп. Баъзан чойнакларнинг қопқоғи шиқиллаб қолади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ШИҚИЛЛАТМОҚ Шиқилламоқ фл. орт. н. *Бармоқларни шиқиллатмоқ.* ▬ *Машинка шиқиллатиб ўтирган секретарь қизнинг бетига ҳам қарамай: «Киринг», деб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

Туёғингни шиқиллат Жўнаб қол; йўқол, кет. *Лекин Жалиловга ўхшаганлар: «Кўп қатори оларингни олдингми, туёғингни шиқиллат!» дейдилар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

ШИҚИР *айн.* **шириқ**. *Эшик занжири шиқир этиб очилди.*

ШИҚИРЛАМОҚ «Шиқир-шиқир» товуш чиқармоқ. *Мотор гуруллади. Сеялкалар шиқирлаб, ишга тушиб кетди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

ШИҒ: **юраги шиғ этиб кетди** *айн.* **юраги шув этиб кетди** *қ.* **шув**. *Аҳмаджон ялт этиб, товуш эшитилган томонга қаради. Қаради-ю, юраги шиғ этиб кетди.* Ф. Насриддинов, Кўнгил.

ШИҒА Кўп даражада, ғоят мўл, бир текис ва ғуж-ғуж. *Олча шиға гуллади.* ▬ *Кўкраккача ўсиб, атрофга шох ёйган, тагидан то учигача шиға кўсаклаган бўлиқ ғўзалар.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамон пахтакор. *Ҳамма жойда шиға ҳосил, уни ўз кучимиз билан териб олиш амри маҳол.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ШИҒАБ 1 Бир текисда тўхтовсиз ва тез; зўр бериб; жон-жаҳд билан, астойдил. *Ёпирилиб, шиғаб теринг, ўртоқлар. Улоқ олиб, донг чиқарсин қишлоқлар.* А. Пўлат. [*Моҳидил*] *Тўшакни тарк этмоқ ниятида докторнинг айтганларини бажонидил бажарар, иштаҳаси бўғиқлигига қарамай, шиғаб овқат ер, куч йиғишга уринарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ерга бир зум эгилди-да, шиғаб тошбўрон қилишга тушди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 *айн.* **шиғил**. *Ғўза ҳозир шиғаб кўсакка кирган.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

ШИҒАЛАМОҚ *қ.* **шуваламоқ**. *Ёмғирлар шиғалаб ёғар бағримга, Тағларим юзидан ўпар самолар.* Газетадан.

ШИҒИЛ 1 Бир текис; қийғос. *Дарахтлар шиғил гулга кирган, боғда зинғиллаб асаларилар учиб юрибди.* Ж. Шарипов, Саодат. *О, шиғил гуллабди олуча, бодом..* Тўлқин.

2 *айн.* **шовул** II. *..ўйчан кўзларини шиғил шохлари ерга тегай-тегай деб турган шафтолига, узоқ-узоқларга тикди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *Анор дарахтларида анор шиғил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди.* А. Қаҳҳор, Анор.

ШИҒИЛЛАМОҚ 1 «Шиғ», «шиғ-шиғ» этган товуш чиқармоқ. *Девор тагида дошқозон, унинг ёнида қумғон-самовар шиғиллаб қайнаб турибди.* С. Сиёев, Аваз.

2 *айн.* **ғизилламоқ.** *Снарядлар шиғиллаб келиб, гумбурлаб, тўфон кўтарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Катта кема дарё сувида шиғиллаб сузиб борарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Юраги шиғиллаб кетди *айн.* **юраги шув этиб кетди** *қ.* **шув.** *Ғуломжон Ҳаётни кўрди-ю, юраги шиғиллаб, кўз ўнги хираланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Меъморнинг юраги*

шиғиллаб кетди. У яна миқ этмай қолди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ШИҒИРЛАМОҚ *айн.* **шиғилламоқ**. *Баланд тоғда шиғирлаган тош энди..* «Ҳасанхон».

Юраги шиғирлаб кетди *айн.* **юраги шиғиллаб кетди** *қ.* **шиғилламоқ**. *Дилшод табаррук ерга қадам босганда, юраги шиғирлаган одамдай, остонадан авайлаб ҳатлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИҒОВУЛ *тар.* Бухоро ва Хива хонликларида элчиларни кутиб олиш, уларни хон ҳузурига олиб кириш, саройдаги қабул маросимларини бошқариш ва назорат қилиш билан шуғулланган мансабдор шахс. *Эрталаб хон саройидан шиғовул эгарлоғлиқ бир от келтириб, таъзим билан элчини аркка чорлади.* М. Осим, Элчилар.

ШИҒРАЙМОҚ *айн.* **шинғраймоқ** (ғилай кўзли одам ҳақида). *Аъзам бир кўзини шиғрайтирганича бақрайиб, кўчада қолди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ШКАЛА [*лот.* scala – нарвон, зина < scandere – кўтарилмоқ] **1** Ўлчов асбобларининг даража кўрсатувчи чизиқлари, рақам кўрсаткичи ёки циферблати. *Термометр шкаласи.* ▬ *Нормат рациянинг қулоғини бураб, шкаласи устидаги стрелкасини йўрғалата бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор катталикни, миқдор, хусусият ва ш.к. ни ўлчаш ёки баҳолаш учун қабул қилинган сонлар системаси. *Иш ҳақи шкаласи.*

ШКАФ [*р.* < *нем.* Schaff – идиш жавони] Турли анжомлар солиб қўйиладиган мебель тури; жавон. *Ойнали шкаф.* ▬ *..девор тагидаги китоблар солинган шкаф устида аллакимнинг ҳайкалчаси турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шкаф ичига турли тоғ жинсларидан олинган намуналар қалаштириб ташланган.* С. Кароматов, Олтин қум.

ШКИВ [*голл.* schijf] *тех.* Бир ўқдан иккинчи ўққа тасма ёки арқон орқали ҳаракат узатадиган икки ғилдиракдан бири. *Моторларнинг гувуллаши, шкивларга кийгизиб қўйилган қайишларнинг шапиллаши, ричагларнинг ғижирлаши тинди.* Газетадан.

ШЛАГБАУМ [*нем.* Schlagbaum < schlagen – урмоқ + Baum – дарахт] Заставада ёки йўлнинг поезд, машина ўтадиган жойларида қатновни тўхтатиб қўйиш учун хизмат қиладиган, қўлда ёки автоматик бошқариладиган кўтарма ғов, тўсиқ. *Секин шлагбаум кўтарилди. Машина йўлга тушди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Канал яқинидаги шлагбаум очиқ, у ердан ўтган йўл машиналардан холи.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ШЛАК [*нем.* Schlacke – болғаланганда учган металл парчалари < schlagen – болғаламоқ] **1** Рудадан металл эритиб олишда қоладиган шишасимон ёки тошсимон модда; тошқол. *Шлак уюми. Шлак кукуни.* ▬ *Онда-сонда шлак парчалари ва қадимий кончилар ишлаган тошболға ҳамда исканалар кўзга ташланарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Қаттиқ ёқилғидан қоладиган чиқит. *Бу кўчаларнинг тупроғи ҳам бошқа, йўлкаларга сурранг майда шлак тўкиляпти, юрганда ғичир-ғичир қилади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШЛАКОБЕТОН [шлак + бетон] *тех.* Цемент, қум ва шлак қоришмасидан тайёрланган енгил бетон.

ШЛАКОБЛОК [шлак + блок I **2**] *тех.* Шлак билан цемент аралаштириб тайёрланган қурилиш материали.

ШЛАНГ [*нем.* Schlange – илон < schlingen – ўралмоқ, чирмалмоқ] Резина ёки сув ўтказмайдиган материаллардан ясалган эгилувчан труба. *Ўт ўчириш шланги. Шланг билан сув сепмоқ.* ▬ *Шлангдан вариллаб келиб турган сув бирпасда ҳовузчани тўлдирди.* С. Аҳмад, Томоша. *Сайёра эрталаб спорт майдончасига борганда, улар* [*болалар*] *қаердандир шланг топиб, майдончага сув сепишаётган эди.* О. Ёқубов, Дастлабки кадамлар.

ШЛАНГА *с.т.* Шланг. *Ке, қўй, Наби, кўп ўжарлик қилма, мана шланга ҳам тайёр.* О. Ҳусанов, Дўстлар. *Шланга бўлганда-ку, юз марта деса ҳам сувай берардик..* «Муштум».

ШЛЕМ [*р.* шлем, шелом < *герман тилларидан*: *нем.* Hulle – қобиқ; ёпинғич] **1** Қадим замонларда ва ўрта асрларда қилич, гурзи, ўқ ва ш.к. зарбидан сақланиш учун бошга кийиладиган темир қалпоқ; дубулға.

2 Бош ва бўйинни урилиш, лат ейиш, босим ва ш.к. дан сақлаш учун махсус тайёрланган бош кийими. *Космонавтлар шлеми. Танкистлар шлеми. Ўт ўчирувчилар шлеми.* ▬ *Одам ғаввослар шлемини кийиб, шўр сувга тушади, бундай сувнинг солиш-*

тирма оғирлиги одам танасининг солиштирма оғирлигига баравар бўлади. Ё. Тўрақулов, Космосга учиш.

ШЛЕМОФОН [шлем + *юн.* phone – товуш] Учувчилар, танкчилар, космонавтлар киядиган, ичига гаплашиш мосламаси (телефон ва микрофон) ўрнатилган шлем ҳамда шу гаплашиш мосламасининг ўзи. *Йўлдош ўз звеноси ёнига келганда, самолётларнинг экипажлари ўз ўрнини эгаллаб бўлган, учувчилар шлемофонларини қулоқларига бостириб, буйруқ кутиб турардилар.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ШЛИФОВКА [*р.* < *нем.* schliefen – йўниб ясамоқ, силлиқламоқ, сайқал бермоқ] Пардозлаш ёки маълум шаклга келтириш учун металл, ёғоч, ойна ва ш.к. ни абразив материаллар ёрдамида ишлаш; ишқаб силлиқлаш, жилолаш, сайқал бериш. *Ёғочни шлифовка қилмоқ.*

ШЛИФОВКАЧИ Шлифовка қилувчи ишчи.

ШЛЮЗ [*голл.* sluis < *фр.* ecluse < *лот.* exclusa – тўсиқ, ғов; йўл қўймаслик] **1** Кемаларни дарё ёки каналнинг сув сатҳи турлича бўлган бир участкасидан иккинчисига ўтказиш имконини берадиган, дарвозалар орқали ўзаро туташган гидротехник камералардан иборат иншоот. *Бир камерали шлюз. Шлюз камераси. Пароходни шлюз орқали ўтказмоқ.* ▬ *Фақат канал эмас, балки тўғонлар, шлюзлар, темир-бетон уйлар ҳам бир йўла ва бирданига қурилаётганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Тўғонларда сувни қўйиб юбориш ёки бўғиш учун хизмат қиладиган махсус тешик; тўғон қулфи. *Шлюзни очмоқ.* ▬ *Ариқлардаги сув тақсимлайдиган шлюзлар эса деярли ишламайди.* Газетадан.

ШЛЮПКА [*голл.* sloep – қайиқнинг бир тури] Эшкаклар ёрдами билан юрадиган, баъзан елканли ёки моторли, палубасиз кичкина қайиқ. *Эшкакли шлюпка. Елканли шлюпка. Моторли шлюпка.*

ШЛЯПА [*нем.* Schlappe – қалпоқ, шапка] Атрофи соябонли бош кийим. *Похол шляпа. Аёллар шляпаси.* ▬ *Рўпарасида шляпанинг кенг соябони тагидан Хуморхоннинг кўзлари ёниб турарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ШМУЦТИТУЛ [*нем.* Schmutztitel < Schmutz – кир, чанг-чунг + Titulus – уст ёзув; сарлавҳа] *плгрф.* Китобнинг бошланиши ёки ҳар қайси қисми олдидан қўйиладиган, одатда сарлавҳа ёзиладиган ёки расм солинадиган варақ. *«Ўзбек шоиралари» тўпламига ишланган шмуцтитулларда яратилган образларда Шарқ поэзиясининг изтиробли лирикаси, самимият ва гўзаллиги жонлантириб гавдалантирилган.* Газетадан.

ШНИЦЕЛЬ [*нем.* Schnitzel – қирқиб олинган лаҳм гўшт] Қийма гўштдан ёки тўқмоқланган гўштдан пиширилган ясси юпқа котлет.

ШНУР [*нем.* Schnur – чилвир, сим] **1** Изоляцияланган электр сими. *Бир симли шнур. Шнур тортмоқ.* ▬ *Йигитали магнитофонни токчадан олиб, қўйиб юборди. Электр чойнакка сув тўлдириб, шнурни токка тиқди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

2 *с.т.* Ип, каноп, чилвир. *Ботинкага шнур тақмоқ.*

ШОБИР *фольк.* Шарпа, жавоб садоси. *Ҳеч шобир бўлмади, «шулар нима деркан», деб Новкал ҳам бир жойда қулоқ солиб турди.* «Баҳром ва Гуландом». *От солиб жўнади шундай фалакка, Шобири билинмай, яшиндай оқиб.* «Муродхон».

ШОВ *тақл. с.* Суюқликнинг шиддат билан тез тушишида ҳосил бўладиган товушни билдиради.

Шов этмоқ «Шов» деган овоз чиқармоқ. *Шов этиб тарновдан сув келди.*

ШОВВА Сувнинг баландликдан куч билан отилиб, шовуллаб тушадиган жойи, шаршара. *Дунёдаги энг катта шаршара Венесуэладаги Анжея Фолла шоввасидир.* Газетадан. *Собир шимининг почаларини тўпиғигача шимариб, оёғини шовва сувига ботириб ўтираркан, ғозқараш қилиб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ШОВВОЗ [*ф.* شاهباز – лочин] Ҳар қандай ишни эплай оладиган, қойил қиладиган эпчил; азамат. *Дуруст, юрагинг дадил кўринади. Одамнинг шоввози қўриқ очади.* Ҳ. Назир, Васият. *Бўш келманглар, йигитлар, ураверинглар, шоввозлар!* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулсумга ўхшаш шоввоз аёлларни ўз атрофингизга тўпланг.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Яша, шоввоз! Омадинг келган экан, қўлинг ёқди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ШОВДИРАМОҚ *кам қўлл.* Шовулламоқ; шалдирамоқ. *Буғдойнинг сарғая бошлаган бўлиқ бошоқлари майин шабадада шовдираб, денгиз каби мавжланиб чайқалади.*

Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Мадрасанинг кенг, текис чорбурчак саҳнидан кеча шовдираб ўтган ёмғир кўзга илинар-илинмас буғ бўлиб, ҳавога кўтарилмоқда эди.* Ойбек, Навоий.

ШОВИНИЗМ [*фр.* chauvinisme] Миллатчиликнинг ўзга миллатларни камситиш, таҳқирлаш, ўз миллатини бошқа миллатдан устун қўйиш, миллий такаббурлик, миллий худбинлик иллатларини ўзида мужассам этган ўта тажовузкор шакли. *Миллатчилик, шовинизм, ирқчилик – бузуқ дунёқарашнинг кўринишларидир.* Газетадан.

ШОВИНИСТ [*фр.* chauvinist < Наполеонга ўлгудай содиқ солдат Шовин (N. Chauvin) номидан] Шовинизм тарафдори.

ШОВИНИСТИК Шовинизмга оид; шовинизм руҳи билан суғорилган. *Шовинистик тарғибот.*

ШОВУЛ I [*р.* щавель – нордон баргли ўтсимон ўсимлик] Отқулоққа ўхшаш, қорабуғдойлар оиласига мансуб, барги майда, таъми нордон, овқатга ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик; қўзиқулоқ. *Шўрвага шовул солмоқ.*

ШОВУЛ II Жуда кўп, ғуж-ғуж; шиғил. *Биз ғўза пайкали оралаб ёнғоқдай шовул кўсакларни санашиб, машина тўхтаган тарафга қараб бордик.* Ҳ. Назир, Механизатор. *Зилол чашма тилга кирди: -Ўксиз, етим мажнунтол. Нечун шовул новдаларинг Бошим узра эгик, лол?* Т. Тўла.

ШОВУЛДЕК, -дай *айн.* **шовул** II. *Шовулдек олчалар кўзни қамаштиради.* ▬ *Кун кеч бўла бошлаган. Мен баланд ёнғоқда ўтирибман. Атрофда шовулдек ёввойи узум.* Ҳ. Аҳмар, Ким хақ?

ШОВУЛЛАМОҚ «Шов-шов» этган товуш чиқармоқ. *Шалоланинг шовуллаган овози келди.* ▬ *Ўрмон аллақандай бир хил овоз билан елпиниб шовулларди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Бирдан ёмғир ёғиб, тарновлардан шовуллаб сув оқа бошлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШОВУН 1 *айн.* **шоқул**.

2 Тикувчиликда дағал чоклар учун (мас., қоп тикиш учун) ишлатиладиган йўғон ип, каноп.

ШОВУР *тақл. с.* **1** «Шов» ва шунга яқин аралаш товушни билдиради. *Бир маҳал қандайдир шовурдан уйғонса, барзангидай одам тракторга уннаётган эмиш.* «Ёшлик». *Қўшиғида гоҳ йилқи уюрига тўла дашт шовури.. бўлади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Шов-шов товуш; шовуллаш. *Салобатли ёмғир шовури эшитилиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ШОВУР-ШУВУР *тақл. с.* Мазмуни ноаниқ бўлган гап-сўз товушларини билдиради. *Аудитория шовур-шувур. Биров ўтирган стулини ғўртиллатиб суради, биров безовталаниб қимирлайди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Шовур-шувур бўлиб турганда, Акбарбой сўз олди, яна ҳамма жим бўлди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Оломон орасида бирдан шовур-шувур кўтарилди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ШОВУШ Муз, ях. *Сирдарё суви шовуш аралаш кўпириб оқади.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши. *Қиш.. Дарахтлар шохида ларзон-ларзон шовуш..* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

Шовуш боғламоқ Қиров боғламоқ, музламоқ. *Унинг мўйлови шовуш боғлабди.*

ШОВШАМОҚ *фольк.* Зирқирамоқ, қақшамоқ. *Кўп қўшин келганга ўхшайди, Эшитиб суяги шовшади.* «Ҳасанхон». *Қирқ йигитнинг банди-бўғни бўшади. Бекларига қараб суяги шовшади.* «Юсуф ва Аҳмад».

ШОВ-ШУВ 1 «Шов» ва шунга яқин товушни билдиради. *Новдан оқиб тушаётган сувнинг шов-шуви дилрабо нағмалардай ёқиб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Унинг* [*Жапақнинг*] *даҳшатли довул шов-шувини эшитмаган қулоқлари эшикдаги заиф бир шарпани аниқ пайқаган эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Ғала-ғовур, шовур-шувур, шовқин. *Қурилиш участкасида шов-шув тинмайди.* ▬ *Тўй узоққа чўзилди. Шу вақт негадир бирдан шов-шув, қий-чув кўтарилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Улар вокзалнинг олдида қатор тизилиб турган «Победа»ларнинг бирига ўтириб, шаҳарнинг шов-шувга тўла гавжум кўчаларидан учиб кетдилар.* О. Ёқубов, Ота.

3 *кўчма* Миш-миш гап, овоза. *Бу воқеа ҳақида шов-шувлар юрибди. Шов-шув гап тарқатмоқ.* ▬ *Домла ўйланиб қолди-да, анчадан кейин деди: -Қишлоқда шундай шов-шув бор эмишми?* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 *с.т.* Бирор ҳодиса, кимса ёки нарсага ўта қизиқиш туфайли юз берадиган қизғин муҳокама, мунозара, ҳар хил гап-сўз. *Султонова звеносининг бу ғалабаси катта шов-*

шувларга сабаб бўлди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *«Ҳамза ўрис қизга уйланибди» деган хабар тарқалди. Бу гап шаҳарда бешолти кун роса шов-шувга сабаб бўлди.* К. Яшин, Ҳамза. *Мана, пахта териш агрегати тўғрисида ёзилган диссертация ҳақида матбуотда анчагина шов-шув бўлди.* «Муштум».

ШОВ-ШУВЛИ «Шов-шув» овози келиб турадиган; шовқин-суронли; ғала-ғовурли. *У.. қоғозни Ҳиротга кетувчилардан бериб юбормоқ учун работнинг шов-шувли кўчасига чиқди.* Ойбек, Навоий.

ШОВ-ШУВСИЗ Шовқин-суронсиз, осойишта, тинч; астагина. *Улар* [*Сарағул билан Орифжон*] *ҳамма вақт икков ёлғиз яшаб, оҳиста, шов-шувсиз, камташвиш ҳаётга ўрганиб қолган эдилар.* А. Мухтор, Чинор. *..Икки кампир ирим қилиб, Маликанинг дард тутаётганини ҳеч кимга билдирмасликка тиришиб, шов-шувсиз эшикни ҳам занжирлаб қўйишган эди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ШОВҚИН 1 Қаттиқ гап-сўздан эшитиладиган, шунингдек, турли ҳаракат, ҳодисалар туфайли юзага келиб, қўшилиб кетадиган товушлар. *-Оқлаймиз! Оқлаймиз! — чойхонани ишчиларнинг шовқини босиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аркда жанг тўхтайди. Аммо орқада ҳамон шовқин.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Намоз асрга яқин куёв оломон билан келди. Тўрт карнай, олти сурнайнинг шовқини кўкни тутди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унда-бунда сайёр атторларнинг «ип кетди..» каби қичқириқлари шаҳар шовқинига мадад бериб туради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чор атроф сайилчиларнинг ғовур-ғувури, трамвай-троллейбусларнинг шовқини билан тўлиб тошган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Баланд овоз билан бўлаётган жанжал, тўполон; шовқин-сурон. *-Ҳай, бу нима шовқин? — кампир кўча томонга қулоқ солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мавлоно Фазлиддин шовқин келаётган томонга қулоқ солиб туриб, қўрқиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Шовқин кўтармоқ 1) *айн.* **шовқин қилмоқ.** *-Ёлғон, туҳмат! — деб бошқа деҳқонлар ҳам шовқин кўтардилар.* С. Айний, Қуллар; 2) бирор хабарни кенг ёймоқ, бу ҳақда жар солмоқ. *Нега матбуот шовқин кўтармайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Шовқин солмоқ** 1) *айн.* **шовқин кўтармоқ.** *Фақат ичкаридан мастларнинг қийқириқлари, аллакимнинг бўғиқ алёри эшитилади; ашула, қичқириқ аралаш яна аллаким шовқин солиб сўкинади.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) қаттиқ (гувуллаган, шовуллаган ва ш.к.) товуш чиқармоқ. *Шовқин солиб сой оқар Қорабоғ қишлоғидан.* Х. Салоҳ. *Бу тинчликни фақат Оқсойгина бузади.. кеч кирганда, гўё атайлаб қаттиқроқ шовқин соларди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Шовқин қилмоқ** Бировга қарата қаттиқ овоз билан, бақириб гапирмоқ. *Биттанг гапир! Биттанг! Ҳамманг баравар шовқин қиласан, гап уқиб бўладими?* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 *тиб.* Одам организмига салбий таъсир этадиган ва унинг ишлашига, дам олишига халақит берадиган бегона товушлар мажмуи.

4 *тлш.* Оғиз бўшлиғида ун иштирокисиз хосил бўладиган товуш. *Фақат шовқиндан ҳосил бўлган* **к, п, с, т, ф, ш, ч, қ, х, ц, ҳ** *товушлари жарангсиз ундош товушлардир.* «Ўзбек тили» дарслиги.

ШОВҚИНЛАМОҚ Баланд овоз билан гапирмоқ, бақирмоқ. *Шовқинлама, болани уйғотиб юборасан.* ▬ *-Ош тайёрми, ош! — деб шовқинлади Умар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Автобус силкиниб-силкиниб борар, одамлар бир-бири билан шовқинлаб гаплашишар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ШОВҚИНЛИ 1 Шовқин билан тўлган; ғала-ғовур ҳукм суриб турган. *Шовқинли кўча.* ▬ *Машшоқлар чолғуларини қўлга олдилар. Энди гузарда шовқинли катта ўйин эмас, ширин, майин ҳужрабазм садоси оқа кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кучли товуш чиқариб турадиган. *Шовқинли ўрмон.* ▬ *Умурзоқ ота ғира-ширада чайласидан чиқиб келди-да, шовқинли дарё лабида таҳорат қилди ва тўнини майсага ёзиб, бомдод намозини ўқиди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. [*Миркарим*] *Шовқинли сувлар бўйига жойлашган гумбаздор мозорлар.. мачитлар орасида уч ой юргач, яна Тошкентга келиб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шовқинли ундошлар *тлш.* Овознинг иштирокисиз, шовқин билан ҳосил бўладиган ундошлар.

ШОВҚИН-СУРОН 1 Кучли даражадаги шовқин. *Шовқин-сурон кўтармоқ.* ▬ *Вагонларнинг қулоқларни қоматга келтирувчи овозлари борган сари узоқлашиб, ниҳоят, шовқин-сурон тинди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Танклар юрганда, ўқ отганда,*

шовқин-сурони радиокарнай орқали узоқ-узоқларга тарқалади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай товушлар билан бўлаётган жанжал-тўполон. *Мавлон ака арава миниб уйига қайтиб келганда, шовқин-суроннинг устидан чиқиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ШОВҚИН-СУРОНЛИ Кучли даражада шовқинли; шовқин билан юз берадиган. *Бу вақт ичкарида тартиб ўрнатилиб, боягидай шовқин-суронли вайсаш бошланган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШОВҚИНЧИ *с.т.* Бақириб гапиришга одатланган; арзимаган нарсага шовқин кўтарадиган.

ШОГИРД [*ф.* شاگرد – ўрганувчи, халфа; издош; ўқувчи] **1** Бирор уста, мутахассис ёки олимдан ҳунар, касб, билим ўрганаётган (ўрганган)шахс (устозга нисбатан). *Шогирд тушмоқ. Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.* Мақол. ▬ *Ажабо, устознинг инсон қалбига солган ижод ишқи шогирднинг матонати билан қўшилса, мўъжиза туғилар экан.* «Гулдаста». *Охунжон қизиқ – машҳур Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг шогирдларидан бири.* «Муштум». *Шундай нуфузли олимнинг шогирди бўлиш унча-мунчага насиб қилмайди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ҳар бир инсофли устод ўз муборак умрининг дурдона якунлари деб шогирдларини ҳисоблайди.* Ғ. Ғулом, Жаноби инсонлардан бири.

2 Бирор кимсанинг иши ёки таълимотининг тарафдори, уни давом эттирувчи; мухлис, издош. *Ўзини олди-қочди саргузаштлар пири Анвар пошшонинг шогирди деб юрувчи, чиндан ҳам шу саёқ турк зобитининг мухлиси бўлган Комил афанди ҳар галгидай.. ўз устозига тақлид қилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ШОГИРДЛИК Шогирд бўлиш, шогирд даражаси, ўрни. *Отам мени шаҳримизда донғи кетган табибга шогирдликка берди.* «Эртаклар». *Маъмурият уни тола ажратгич машинада ишлаш учун шогирдликка ўтказди.* Газетадан.

ШОД [*ф.* شاد – хурсанд, шодон, қувноқ, хушчақчақ; мамнун] Бирор нарсадан мамнун, қувончга тўла; хурсанд. *Кўнгли шод. Шод бўлмоқ.* ▬ *Сочларин бўйнимга боғлаб, Шод эрурман бу кеча, Қўй, чаманлардан, сабо, Гул атрини тарқатмагил.* Э. Воҳидов. *Чўнтагининг қаеридадир асраб юрган ўттиз сўмликни онасига бераркан, Болтабой ўзида йўқ шод эди.* Ж. Шарипов, Саодат.

ШОДА 1 Ипга тизилган бир хил, бир турдаги нарсалар мажмуи. *Бир шода марварид. Бир шода қалампир.* ▬ *Ўзиям унча-мунча маржонлардан эмас, ўн икки шода-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Ҳаммаси асл, қизим, менда паст нарса бўлмайди, – деди хўжайин, кейин қизга қараб, кўзини қисиб кулди, – ол, бир шодани тақиб кўр. Жуда ярашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ғуж, тўп (бир турдаги нарсаларнинг ғуж-ғуж, тўп-тўп ҳолати ҳақида). *Чиннихон қўлини тепага чўзиб, жийда гулидан бир шода узиб олди ва уни ҳидлаб кўрди.* П. Қодиров, Эрк. *Асадда.. унинг [экиннинг] кўксида кўсаклар шодаси бўлсин.* Газетадан.

3 *махс.* Тўқимачилик дастгоҳининг ўриш ипларини кўтариб-тушириб турадиган қисми.

ШОДАЛАМОҚ Бир турли нарсаларни ипга тизмоқ, тизиб шода қилмоқ (*қ.* **шода 1**). *Мунчоқларни шодаламоқ.* ▬ *-Ҳа, Сорокин.. Баракалла! – деб мамнун жилмайди* [*Васильев*], *– гранаталарингни шодала.. Орқамдан ер бағирлаб эмакла.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ШОДИ [*ф.* شادی – шодлик, хурсандлик; қувноқлик] **1**: **оғзидан боди кириб, шоди чиқмоқ** Беҳаё сўзлар билан сўкмоқ, сўкинмоқ. *Куёви Ғиёсиддин тилмоч, токчалари меҳробнухса меҳмонхонада бурма болишни бағрига босиб, ароқ ичар, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, оқсоқолни сўкар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Назоратсиз қолган оғиздан ҳам боди кириб, шоди чиқиши мумкин.* М. Исмоилий, Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.

2 Шоди (эркаклар исми).

ШОДИЁНА [*ф.* شادیانه – хурсанд бўлиб, севиниб, қувониб; хурсанд, қувноқ] **1** *от* Шод-хуррамлик, тантана. *Байрам шодиёнаси. Ғалабага бағишланган шодиёна.* ▬ *Зуҳра тўйига кўнмади, деб бўлманг танг, Тўй бошлансин, шодиёна бошлансин..* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Бу тантана сендек фарзанди билан фахрланган элнинг шодиёнасидир.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Файзиёб сентябрь оқшомларининг бири. Боғларда, зумрад далаларда меҳнат шодиёнаси, қизларнинг дилрабо ялласи авжида.* Э. Охунова, Қадрингни бил, дугонам!

2 *сфт.* Шод-хуррамлик ёки тантана билан ўтадиган (ўтган, ўтаётган). *Шодиёна тўй.* ▬ *У бу уйдаги, қишлоқ аёллари таърифлаган шодиёна учрашувлар, мароқли суҳбатлар хаёли билан маст бўлиб юрган эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шу пештоқлар, шу иморатлар Қад кўтаргай йиллардан буён, Мана шундай шодиёна дамни Кўрган-билган эмас ҳеч қачон!* Э. Раҳим. *Бирдан пастдан, тоғ қазувчилар манзилидан шодиёна қичқириқлар кўтарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *от кам қўлл.* Хушхабар келтирган кишига бериладиган инъом, совға; суюнчи.

ШОДИМАРГ [*ф.* شادی‌مرگ – шодиёна ўлим; ғоят шодликдан ўлиш]: **шодимарг бўлмоқ** *шв.* Севинчдан тўсатдан юраги ёрилиб ўлмоқ. -*Қувончдан шодимарг бўлишга оз қолдим. Кечаси билан мижжа қоқмай, ширин хаёлларга чўмиб чиқдим, – деди Камолиддин.* Т. Жалолов, Олтин кафас.

ШОДЛАНМОҚ Шод бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ, севинмоқ, қувонмоқ. *Шодланиб кетган Собир темирчи, раҳмат устига раҳмат ёғдирди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Э нодон қиз, Тўлқинжон шунча қизларнинг ичида сени севиб қолгани учун шодлан!* Ф. Мусажон, Ҳури.

ШОДЛИК Шод-хуррам ҳолат; хурсандлик, севинч, қувонч. *Шодлик байрами. Шодликдан ўзини йўқотмоқ.* ▬ *Шодлик йўлга бошлади мени, Бахтиёрлик бўлди одатим, Шоир бўлиб шодлик ва бахтни Куйламоқлик зўр соадатим.* Ҳ. Олимжон. *Тўй. Бу сўз асосида халқнинг шодлиги, хурсандлиги ётади, у камбағалнинг уйини шодликка, қувончга тўлдиради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ШОДМОН [*ф.* شادمان – шод, хурсанд, бахтиёр] **1** *кт. айн.* **шод.** *Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш.* Алишер Навоий. *Минг шукурким, келдинг бугун сиҳат-саломат, шодмон, Айлай Ниҳоний жон фидо, қурбона бўлдим соғиниб.* Ҳамза. *Э қўзим, жигарбандим, шодмон этиб келдинг, Кўкка еткуриб бошим, осмон этиб келдинг.* Ҳабибий.

2 Шодмон (эркаклар исми).

ШОДМОНЛИК *кт. айн.* **шодлик**. *Бу – Шарқнинг юлдузи Ўзбекистондир, Ўрта асрларнинг Осиёси йўқ. Янги дарёларнинг севар ўлкаси, Бағри шодмонлик, бахт билан тўлиқ.* Ҳ. Олимжон. *Очликдан тинка-мадори қуриганлар ҳам бу шодмонликдан* [*баҳор байрамидан*] *четда қолмас, неча ҳафталар дастурхон тузашга ҳозирлик кўрар эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ШОДОН [*ф.* شادان – хурсанд, шод, қувноқ; мамнун] *кт.* Шод, қувноқ. *Шодон кулги.* ▬ *Ёш қизчасин босиб бағрига, Шодон қўшиқ ўқийди жувон.* З. Диёр. *Устозларим Лермонтов, Байрон.. Кўз ўнгимда туришар қатор. Улар билан сўзлашиб шодон, Тунлар ўтиб, тонгларим отар.* Х. Салоҳ.

ШОДОНЛИК *кт. айн.* **шодлик.** *Чўпон найидан оқар Шодонлик, бахт оҳанги. Чўққидаги кумуш қор Орзум каби яп-янги.* А. Умарий.

ШОЁН [*ф.* شایان – арзирли, муносиб, лойиқ] *кт.* Сазовор, арзийдиган, арзигундай. *Манзур бўлган гўзал атлас сингари Санъатинг шоёндир эл қиссасида.* М. Бобоев.

Шоёни таҳсин Таҳсинга сазовор, лойиқ. *Бойваччанинг «Ўйлаб иш кўриш лозим», деган гаплари шоёни таҳсиндир.* К. Яшин, Ҳамза.

ШОИР [*а.* شاعر – шеър тўқувчи, ёзувчи] **1** Шеърий асарлар ёзадиган киши. *Улуғ шоир. Демократ шоир. Халқ шоири.* ▬ *Бизга адиблар, шоирлар, ҳақиқий курашчилар лозим.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Бахши ёки оқинлар исмига ҳурмат юзасидан қўшиб айтиладиган сўз. *Фозил шоир. Ислом шоир Назар ўғли.*

3 *с. т.* Гапдон, сўзамол, ҳозиржавоб одам ҳақида. *Бу йигит жуда шоир экан.*

ШОИРА [*а.* شاعره] Шеърий асарлар ёзадиган аёл. *Ўзбек шоиралари.*

2 *с. т.* Гапдон, сўзамол, ҳозиржавоб қиз ёки аёл. *Мажлиснинг шоиралари, ўйинчилари, чилдирмачи ва дуторчилари – барчаси ҳам ҳозир бўлиб, Кумушбибигина ҳаммомдан қайтмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Шоира (хотин-қизлар исми).

ШОИРЛИК 1 Шоир иши, касби; шеър ёзиш. *Мирзажон – кўнглида шоирлик дарди билан туғилган бола, ҳозирданоқ шундай шеърлар ёза бошладики, ўқиганингизда, кўзингизга беихтиёр ёш келади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йўқ, мен тақдиримдан эмасман хафа. Шоирлик унвони бахтимдан туҳфа.* М. Шайхзода.

2 *с.т.* Гапга чечанлик, сўзамоллик. *Ҳе, Эргашвой ака-ей, жуда ҳазилкаш йигитсизда, Тўғри гапни ҳазилга олиб, шоирлик қиласиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. -*Не бало овсин, шоирлик қиляпсизми? – деди Қумрихон боғ*

эшигига тамба қўятуриб. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.

ШОИРОНА [*а.* + *ф.* شاعرانه – шоирларча; гўзал, нафис] *рвш.* Шоирларга хос илҳом билан, шоирларча. *Шоирона гапирмоқ. Шоирона ибора.* ▬ *Аҳмад Ҳусайн бу сўзларни баланд шоирона сўзлар каби тушуниб, уларнинг мазмунига унчалик эътибор бермади.* Ойбек, Нур қидириб. *Шоирона тафаккур! Муболаға, мақташлар! Менингча, оқ садафдир Сой ичида оқ тошлар.* М. Шайхзода. *Хушманзаралар ёшлиги чўпонлик билан безанган, шоирона қалб эгаси Қудратга Самарқанд тоғларининг этагидаги гўзал боғларини эслатарди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ШОЙИ [*ф.* شاهی – шоҳга оид, мансуб] **1** Ипакдан тўқилган газлама, мато; шоҳи. *Гулдор шойи. Шойи тўқийдиган дастгоҳ. Шойи кўйлак. Шойи рўмол.* ▬ *Тахмонда турли рангда атлас ва шойилардан қопланган кўрпалар, тахмон токчаларига уйилган парёстиқлар.. киши кўзини қамаштирар даражада эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Нури*] *Тўй муносабати билан ўзига атаб ясалган тўққиз духоба ва тўққиз ҳар нав шойи кўрпани томоша қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бошида нафармон шойи дурра, орқада қирқ кокил, чеккаларида гажак.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *с.т.* Ипакли кийим, ипак газламадан тикилган кийим. *Шойи билан кимхоб кийдим – устимда йўқ, Қази билан қарта едим – қорнимда йўқ.* Мақол. ▬ *Қизу келин ясанди Атласу шойи билан.* «Қўшиқлар».

ШОЙИБОФ [*ф.* شاهی‌باف – шойи тўқувчи] Шойи тўқувчи косиб. *Сибирь бозорларида чаққон бўлган ип газлама, бўзнинг нархи ошди. Адрасбоф-шойибофлар ташвишга тушиб қолдилар.* М. Осим, Элчилар.

ШОЙИГУЛ [шойи + гул] Шойигулдошлар оиласига мансуб, гулсапсарга ўхшаш очиладиган гуллари қизил, сариқ, пушти, барглари шапалоқ-шапалоқ кўп йиллик манзарали ўсимлик.

ШОЙИФУРУШ [*ф.* شاهی‌فروش – шойи сотувчи] *эск.* Шойи газламалар билан савдо қилувчи шахс.

ШОК [*фр.* choc < *ингл.* shock – туртки, зарба] *тиб.* Ниҳоятда кучли, фавқулодда таъсиротлар (оғир жароҳат, куйиш, миокард инфаркти, буйрак санчиши, мос бўлмаган қон қуйиш, руҳий касаллик ва ш.к.) натижасида марказий нерв системаси, қон айланиши, нафас системалари фаолияти ҳамда моддалар алмашинувининг кескин бузилиши билан ифодаланадиган, ҳаёт учун хавфли оғир патологик жараён.

ШОКИЛА 1 Дастурхон, сочиқ, дарпарда, рўмол каби буюмларнинг четига-ҳошиясига тикиладиган ёки шу газмолнинг ўзидан титиб чиқариб ясаладиган безак; гажим, попук. *Дастурхон шокиласи.* ▬ *Ислом барлос қалпоқли бошини оғир тебратди-да, кўзини чодирнинг кўркам уқалари, рангбаранг ипак шокилалари осилиб турган шипга тикди.* Ойбек, Навоий. [*Латофат*] *Парда шокиласига тирмашаётган капалакни кўрди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

2 Баъзи буюмларга безак учун осиб қўйиладиган шу шаклдаги тақинчоқлар. *Ўртага осилган катта қандилнинг асоси зарҳалдан бўлиб, элликлаб лампочкалар ва минглаб биллур шокилалар унга зеб бериб турарди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ШОКИЛАДОР *айн.* **шокилали.** *Белига шокиладор шойи чилвир боғлаб юрар, чўққи соқоли.. истарасини яна ҳам иссиқ қилиб кўрсатарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ШОКИЛАЛИ Шокиласи бор, шокила билан безатилган. *Шокилали даструмол.* ▬ *..носкадисидан шокилали тиқинни шошилмай олди, кафтига носдан солиб, тилининг остига отди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шифтда оппоқ шокилали баҳайбат қандил, тўрда девор баравар гарнитур..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ШОКИЛДА *с.т.* Шокила. *Унинг* [*Таманно ойисининг*] *бармоқларидаги йўғон узукларнинг ёқут кўзлари, бухори сирға шокилдалари офтобда йилтирарди.* Мирмуҳсин, Ажрим. *Варрак десанг бўлмайди, Шокилдаси йўқ унинг, Икки кўзинг ўйнайди, Ҳуснига кирар суқинг.* З. Диёр.

ШОКОЛАД [*нем.* Schokolade < *исп.* chocolate < *индейс тилларидан*] Какао, шакар, сут ва хушбўй дориворлар аралашмасидан қилинадиган аъло сифатли конфет ёки плитка шаклидаги ширинлик. *Бозоров яшикларни очиб қўйди: оқ қанд, шоколад, конфет, совун, атир, упа.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШОКОЛАДЛИ Шоколад аралашган, шоколад аралашмаси қўшилган. *Шоколадли торт.*

ШОКОСА [*ф.* شاه‌كاسه — катта коса, жом] Катта коса. *Анзират хола бир шокоса ширгурунч келтириб, Сидиқжоннинг олдига қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Махсум.. ҳамманинг олдига шокосаларда ширчой қўйди.* А. Мухтор, Опа-сингилар.

ШОЛ I [*ф.* شال / شالى — қалин жун мато] Юнгдан тўқилган қалин мато, юнг газлама. *Шол бозори.* ▬ *Бу бошига шолдан салла ўрайди.* Фозил шоир. *Икки қиз чайқалган чойнак-пиёлаларни, туя юнгидан тўқилган шол дастурхонга ўралган нонларни келтириб, меҳмонлар олдига қўйдилар.* С. Айний, Қуллар. *Шамоллатди молларин, Ипак-бахмал, шолларин.* Қ. Муҳаммадий.

ШОЛ II [*а.* شلّ — фалаж] **1** Бирор аъзонинг нормал ҳаракат қилолмай ёки сеза олмай қолиши билан характерланадиган касаллик; фалаж.

2 Шундай касалга йўлиққан. *Шол кампир. Шол бўлиб ётмоқ.* ▬ *Кампирим ишга ярамайди. Шол бўлиб қолган. Отаси ҳам шол бўлиб ўлган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *-Ҳалиги мен билан бир синфда ўқиган Темиржон бор-ку, ҳозир икки оёғи шол бўлиб ўтирибди.. — деди Боймурод.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди.

ШОЛ III Бўйинга осиб ёки тешигидан кийгизиб қўйиладиган жазо тахтаси. *Солдилар шол бўйнига, Кунда — оёққа. Шу йўсин ҳукм этдилар Қирқ кун қамоққа.* Ғайратий.

ШОЛИ [*ф.* شالى — тозаланмаган гуруч] Иссиқ мамлакатларда ботқоқда ўсадиган, бошоқларида гуруч етишадиган дон ўсимлиги; шу ўсимликнинг оқланмаган, гуруч ҳолига келтирилмаган ҳосили. *Шоли оқламоқ.* ▬ *Бултур 5 гектар пахта ерини буздириб, шоли эктирдим..* «Муштум». *Қори ўзининг хотинини ёмонлаб кетди: шолини сочмасдан туёлмайди, сув қайнатса ҳам, тагига олдириб қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ШОЛИКОР [*ф.* شالى‌كار — шоли етиштирувчи] **1** Шоли экиб, гуруч етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон. *Шоликорлар экинга иккинчи ишлов бериш даврида ўсимликни шохлатиш тадбирларини кўришди.* М. Қўшоқов, Ҳосилдорлик ошяпти.

2 Шоли экиладиган; шоли етиштириладиган. *Шоликор хўжалик. Шоликор ерлар.* ▬ *Тустовуқлар кўпинча саҳарлаб шоликор ерларга учиб тушади.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ШОЛИКОРЛИК **1** Шоли экиш иши, касби. *Турсунбой.. шоликорлик қиларкан-да, қоп-қоп шоли ортгиракан.* «Муштум».

2 Қишлоқ хўжалигининг шоли экиш, гуруч етиштириш иши билан шуғулланувчи тармоғи. *Республиканинг шимолида, Амударё бўйларида шоликорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор.* Газетадан.

3 Шоли экиладиган ёки экилган кенг дала. *Шоликорлик қишлоқдан бир тош чамаси нарида бўлиб, Бердибой унда ётиб ишлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Чарақлаб офтоб чиқиб, шоликорлик полларини тўлдирган ёмғир сувларини ойнадек ялтиратди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ШОЛИПОЯ [*ф.* شالى‌پايه — шоли экилган майдон, шолизор] **1** Шоли экилган майдон. *Шунинг учун ҳам шоликорлар сувни лойқалатиб, шолипоядан чиқишмай, кечиб юраверишади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Терак тагидан шолипоя бўйлаб йўл бор; Чирчиққа тик чиқади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Шоли ўсимлигининг пояси.

ШОЛИЧИЛИК **1** *айн.* **шоликорлик 1.** *Шоличилик қилмоқ.*

2 *айн.* **шоликирлик 2**. *Соғлиғимдан нолимайман. Узоқ йиллар шоличилик бригадасида бошчилик қиламан.* Газетадан.

ШОЛПАР [*ф.* شالپر] Юнгдан тўқилган, жунли. [*Ойимтилла хола*] *Кели урганда сирғалиб тушаётган шолпар рўмолини дамбадам бошига танғир экан, кўча эшикка қараб қўяди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ШОЛЧА Жундан тўқилган палос. *Ҳимматга «Қани, ўтир!» деди ошпаз, ёзиб қўйган шолчани кўрсатиб.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Ўша ерга бир парча шолча ташланиб, ичкаридан бир патнисда нон, косаларда мошхўрда чиқди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин.

ШОЛ-ШОЛ: **шол-шол бўлмоқ** Оғриқ аралаш ўзини оғир сезмоқ; мажолсизланмоқ. *Биров дўппослагандек бутун баданим шол-шол бўлиб кетяпти.* ▬ [*Зуҳра*:] *Бир вақт кўзимни очиб қарасам, касалхонада ётибман: ҳамма ёғим шол-шол бўлиб кетган.* Т. Жалилов, Зўравон.

ШОЛҒОМ [*ф.* شلغم] Овқатга ишлатиладиган, илдизмеваси оқ, сариқ, қизғиш, оч бинафша рангларда бўладиган сабзавот ўсимлиги. *Шолғомга сув қўймоқ.* ▬ *Бўйрадай жойга шолғом эккан одамга ҳам сувми!* Ойбек, Танланган асарлар. *Шолғом жуда*

қадим замонлардан истеъмол қилиб келинади. У тўқтутар ва шифоли масалликлардан бири. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Шолғом бўлмоқ *ёки* **шолғомдай қизармоқ** Қаттиқ изза ҳиссини туймоқ, шу сабабли қизармоқ. *Ғўзанинг авжи чатоқлиги кишини шолғом қилиб қўяди.* И. Ўктамов, Ҳикоялар. *-Кечирасиз! — деди ўз қилиғига шолғомдай қизариб кетган Мастонов.* Ғайратий, Довдираш. *Хўжайиннинг юзи қип-қизил шолғом бўлиб кетди.* «Муштум».

ШОМ [*ф.* شام — кечки овқат; кечки пайт, оқшом] **1** Қуёш ботиб, қоронғилик туша бошлаган пайт ва шу пайтда ўқиладиган намоз. *Одамлар ташқарига чиққанда, шом қоронғиси чўккан эди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Анзират билан Анорхоннинг сариқ ва кўк рўмолларигина шом қоронғисида шарпадай милтилларди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 Қуёш ботгандан бошлаб, мағриб уфқидаги қизил шафақ кўринмай қолгунча ўқиладиган намоз (беш вақт намознинг тўртинчиси). *Шомни ўқигандан кейин Анвар Султонали мирзодан изн олиб чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мачитдан шом азони эшитилди. Супадагилар баҳсни тўхтатиб, таҳоратга қўзғалишди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 *кўчма* Қоронғилик *Ҳовлига шом тушди. Аваз деразани очиб «Жуманиёз!» деб чорлади.* С. Сиёев, Аваз.

Ой шом еди *ёки* **шом еб чиққан ой** Шомдан кейин пайдо бўладиган, чиқадиган ой, ойнинг шу вақтда чиқиши ҳақида. *Тун яримдан ошган. Шом еб чиққан ой ўрмон устларига ўзининг сутдай оқ пардаларини тўшаган.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Узоқда, баланд тераклар орқасида шом еган ой кўринди.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.
Умр шоми Умрнинг охирги, тугаш палласи. *-Ҳа, кела қол, шервачча! — деди мамнунлик билан Саксон ота кулиб — Умр шомига етсак ҳам, юракда ўтимиз бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШОМОН [*р.* шаман < *эвенкча* шаман — будда руҳонийси ёки *тунгус-манжурча* шаман (саман) — жунбушга келган, жазаваси тутган киши] Амалда барча қадимги халқларда, ҳозирда баъзи қолоқ халқ ва қабилаларда: руҳоний, табиб, сеҳргар.

ШОМОНЛИК Ёвуз ва эзгу руҳларга, уларнинг инсон ҳаётига таъсир кўрсатишига ишонишдан иборат ибтидоий эътиқод шакли.

ШОМПОЛ [*нем.* Stempel — сумба; келисоп] Милтиқ стволини тозалаш, мойлаш ёки (оғзидан ўқланадиган милтиққа) заряд жойлаш учун ишлатиладиган ингичка ва узун металл таёқ.

ШОМПОЛЛИ Шомполга эга, шомполи бор; шомпол ёрдамида ўқланадиган. *Шомполли милтиқ.*

ШОМРУҚ Ёввойи ўрдакнинг бир хили.

ШОМУРТ *фольк.* Узун, бурама мўйлов. *Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган, Ичида сичқонлар болалаб ётган.. Шундай қалмоқ кўлин тўлгаб келади.* «Алпомиш». *Ямоқчи уйғониб туриб, эшикни очса, шомуртини шопдай қилиб, подшонинг мирғазаблари турибди.* «Эртаклар».

ШОН I [*а.* شأن — иш, алоқа, муносабат; қадр-қиммат, обрў, аҳамият; манфаат] **1** Эришилган ҳурмат, обрў, шараф, шавкат. *Сенга дўст бўлиб ортди.. Шон ила шуҳратимиз.* Ғайратий. *Яраланган Ватан томирига Қуйди иссиқ юрак қонини, Шу муқаддас ер замирига Қони билан ёзди шонини.* Т. Тўла.

2 Машҳурлик ҳолати; довруқ, донг, шуҳрат. *Пахта териб ўтар узун кун, Ошиб тўлар унинг плани, Иши бўлар унинг овоза — Достон бўлар донги ва шони.* Ҳ. Олимжон. *Ҳаётга.. ёмон йўлни қўйиб, яхши йўлдан бориш — адабийлик йўлидир. Шу йўлдан борган кишининг номи ўчмайди, унинг шони умридан узоқ яшайди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

3 Ғурур, фахр. *Пахта — бизнинг шонимиз.* ▬ *Қайнаб тошсин нефть булоқлари, Нефть мамлакатимизнинг шонидир.* Ё. Мирзо.

ШОН II [*ф.* شان — асалари уяси катаги; елка кураги] *махс.* Маҳси ёки этик қўнжига уриладиган таёқ-қолип. [*Унсин*] *Шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр бачкана маҳсиларни силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнг қора гул суркаб, уларга пардоз беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Шонга тортмоқ *айн.* **исканжага олмоқ** *қ.* **исканжа.**

ШОНА I [*ф.* شانه — тароқсимон гулбарг] Ғўза ғунчаси. *Гулпараст, деб атаманг, ишимиздан бехабар, Шоналар санаб юрган меҳ-*

наткаш қизлар эдик. Ғ. Ғулом. *Бироқ озгина сув ҳам тақа-тақ тўхтаб қолди. «Сув» деб навбат кутиб ётган ғўзаларнинг барглари қорайиб, шона ташлай бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Шонага кирмоқ Ғунчаламоқ (ғўза ҳақида). *Янги квадратлардаги ғўзалар тез ривожланиб, олди текис шонага кирди.* Газетадан.

ШОНА II [*ф.* شانه — тароқ; парранда тожи] *эск. айн.* **тароқ 1**. *Шона билан зулфин тараб ўрганлар, Ойна олиб, оқ юзини кўрганлар.* Фозил шоир. *Қизлар тонгда булоқ томон борарди, Ювинишиб, бари сочин тарарди, Ҳар бирин бошида чиройли шона, Қурар кўнгил қуши шунда кошона.* М. Алавия.

ШОНАБАРГ [*ф.* شانه‌برگ — тароқсимон гулбарг] Шона атрофидан чиқиб, гул очилгунча уни ўраб турадиган тароқ тишли майда барг; ёнбарг. *Ғўза гулида учта шонабарг бўлади.*

ШОНАЛАМОҚ I Шона чиқармоқ, шона пайдо қилмоқ (ғўза ўсимлиги ҳақида). *Ғўзалар ёппасига шоналади.* ▬ *Ғўзалар энди шоналаб, кўсак боғлаб келаётган бир маҳалда.. шаҳар заводларига пахта ташилиши Ғуломжонни ажаблантирмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШОНАЛАМОҚ II Сочини тарамоқ. *Гулчеҳра.. сочини ювиб, шоналаб турган чоғида, ўғил ўрнига кўриб юрган ғози олдига келиб, йиқилиб ўлган эди.* «Эрали ва Шерали».

ШОНЛИ Шон-шарафга эга; донг таратган; шуҳратли. *Бугун шонли бинокорларимизнинг анъанавий байрами.* Газетадан. *Ўзбек халқининг шонли фарзанди Жўрахон Усмонов мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ШОП [*ф.* شاف] *эск.* Учи орқага қайрилган тиғли қилич. [*Мингбоши*] *Шопу камарини белида кўриб, бирам қувонди, бирам қувондики, шопини авайлаб кўзларига келтирди-да, тўтиё қилиб кўзларига суртди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Шоп мўйлов 1) катта, узун мўйлов. *У Омонтойнинг қадди-қоматига, шоп мўйловига қараб, кўзлари яшнаб кетди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари; 2) узун мўйловли, мўйлови узун киши. *Ҳайдарга бир шоп мўйлов одам Қўлин бигиз қилиб ўқталди.* Ю. Шомансур. **Қўлини шоп қилмоқ** Қўлини олдинга чўзиб ўқталмоқ. *-Ҳой, сен, — қўлини шоп қилиб, Майнага ўшқирди. — Менинг бошимга асилзода эрни ўлдириб келдингми? А?* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Жувон тарсаки тортиб юбормоқчидай қўлини шоп қилиб: «Йўқол!» деди.* Н. Қиличев, Ёронгул.

ШОПИРИНМОҚ: **юраги шопиринмоқ** Ҳаяжонланмоқ, ҳовлиқмоқ, ҳаприқмоқ. *Анвар Султонали мирзога бояги ваъдани бериб, бу хабар билан юраги шопиринган ҳолда уйга келди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Уч кишидан уч хил гап эшитган Нафисахоннинг юраги шопириниб, тинчимай, эртасига самолёт билан Тошкентга келди.* Мирмуҳсин, Умид.

ШОПИРМОҚ 1 Идишдаги суюқ овқат ёки ичимликни чўмич билан олиб, яна қайта қуймоқ (шу ҳаракатни такрорламоқ). *Айронни шопирмоқ.* ▬ *Муқимий.. Тўра Соҳибхондан кечаги мақомни ёлғиз ўқиб беришни илтимос қилди, шўрвани шопириб туришни ўз гарданига олди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *-Икки овул орасига ўт ёқиб исинолмайсан, тоға, — деди Эримбет хотиржамлик билан қимиз шопириб.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қисқаси.

2 Янчилган ғаллани тепадан тўкиб, шамолга тутиб, қипиқ ёки чўп-хаслардан тозаламоқ; совурмоқ, шунингдек, пахта, шулха, сомон каби нарсаларни курак, паншаха билан ирғитиб шамоллатмоқ. *Буғдойни шопирмоқ. Шолини шопирмоқ.* ▬ *Кўз илғамас дала оппоқ пахтазор, Ишлаб ҳоригандай сирғилар офтоб. Пахта булутини шопириб бир чол, Қуритади уни, олтинни, шу тоб.* Зулфия.

3 Учирмоқ, тўзитмоқ. *Дашнобод боғида барглар сарғайиб бўлган, куз шамоллари уларни шопириб кетган.* С. Аҳмад, Ўйлар. *Атрофи бир зум жимигандай бўлади-ю, дам ўтмай аччиқ изғирин шовуллаб, димиқ айвонга ёпириладида, ўчоқ олдидаги хас-хашакни ҳовли саҳнига шопириб ўйнайди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШОП-ШАЛОП *эск.* Амалдорлар тақиб юрадиган қилич, ханжар, тўппонча каби қуроллар, қурол-аслаҳа. *Нонуштадан кейин биров эшикни қаттиқ тақиллатди. Комил югуриб чиқиб, остонада шоп-шалоп осган сержаҳл бир миршабни кўриб, қўрққанидан салом беришни ҳам унутиб қўйди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Шу чоқ икки ясовул отда гу-*

сур-гусур қилиб, шоп-шалопларини шарақлатиб, устахона олдига келиб тўхтади. Ж. Шарипов, Хоразм.

ШОССЕ [*фр.* shaussee < *лот.* calciata-(via) – оҳактош қопланган йўл] Тош терилган ёки асфальт, бетон ва ш.к. ётқизилган кенг йўл. *Автоматчилар танкларга ўтириб олишиб.. катта шоссе йўлга чиқиб олишган.* Газетадан.

ШОСУПА [*ф.* + *а.* شاه‌صفّه – катта супа] Ҳовли ёки боғ ўртасида бўладиган катта супа. *Шосупада, ҳовуз бўйида Ёнбошладик охири ҳориб, Офтоб кириб кетди уйига, Юлдуз чиқди осмонни ёриб.* Ҳ. Шарипов. *Шосупа устига сувлар сепилган, Атрофига яхши гуллар экилган.* «Рустам».

ШОТЕРАК Пирамидасимон тик ўсадиган йирик терак.

ШОТИ 1 Араванинг ўқи ва ғилдирагидан ташқари юқори қисми. *Шотида ўтирган тўранинг аравакаши отга қамчи ҳам урмайди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Араванинг от қўшиладиган икки ён ёғочи. *«Оқтой» анчадан буён яйдов юргани учун, арава шотиси остига асти рўпара келмай, ўйноқилиб кетаверди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 *шв.* Нарвон. *Пўлатжон унинг ишини кузатиб турди-да, кейин темир шоти билан юқорига кўтарилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ШОТИКАПА: **шотикапа атлас** Хонатласнинг бир тури. -*Чакка сочлари оппоқ оқарган.. шотикапа атлас кўйлак кийган озғингина Сўнагул кўз олдимга келди, – деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ШОТИР [*а.* شاطر – эпчил, моҳир; айёр; ўткир зеҳнли, ақлли] *тар.* **1** Подшо, хон каби олий амалдорлар отини етаклаб, тутиб юрувчи навкар; жиловдор. *Шоҳларнинг олдида бўлар шотири, Ёвча бўлар йигитларнинг ботири.* «Равшан».

2 *кест.* Бировнинг хизматини югурибелиб қиладиган хизматкор; югурдак. *Султон Суллоҳовнинг шотирлари типирчилашиб қолишди: бухгалтер Шотурсун Шомирзаев бир болани магазинга югуртирди.* Т. Алимов, Хиргойи. -*Комиссия! – деб хитоб қилибди Ғаниев. Шундан кейин шотирларнинг оёғи ерга тегмай, у ёқ-бу ёқни йиғиштиришга тушишибди.* Газетадан.

3 *шв.* Хон ёки шоҳни ўтқазиб, кўтариб юриладиган махсус ўриндиқ; тахтиравон, маофа. *Ичкаридан хон кўринди, уни тўрт навкар шотирда олиб келарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШОТЛАНД 1 Шотландиянинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқнинг номи. *Шотланд халқи. Шотланд миллати.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб. *Шотланд аёли. Шотланд тили.*

ШОТЛАНДКА [*р.* «шотландская ткань» (шотланд газламаси) бирикмасининг қисқарган шакли] Пахта ипидан ёки жун, ипак аралаштириб тўқилган рангдор катак-катак газмол.

ШОТЛАНДЛАР Шотландиянинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқ, шотланд халқи.

ШОТУТ [*ф.* + *а.* شاهتوت – йирик қизил тут] **1** Тут дарахтининг тутгуллилар оиласига мансуб тури. *Шотут тепасида майкачан бўлиб ўтириб олган Аъзамжон шотут еб турарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Шу дарахтнинг тўқ қизил нордон сершира шифобахш меваси.

ШОУ [*ингл.* show – кўрсатиш, томоша; кўрсатмоқ, намойиш қилмоқ] Оммавий томошабинлар ва тингловчиларга мўлжалланган дабдабали, телевизион ёки концерт эстрада томошаси.

ШОУ-БИЗНЕС [*ингл.* show – business] Шоу ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишбилармонлик фаолияти; шоу ташкил этиш йўли билан даромад топиш.

ШОФЁР [*фр.* shauffeur – дастлаб: ўтёқар, гўлах; кейин: ҳайдовчи < chauffer – ўт ёқмоқ, иситмоқ] Автомобиль ҳайдовчи шахс. [*Мирғиёс*:] *Кабинаси бўш бўлса ҳам, шофёрнинг ёнига ўтирмадим.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ШОХ I [*ф.* شاخ – буток, шох, шохча] **1** Ўсимлик, дарахт ёки бута танасидан ёнверига ўсиб чиққан ўсимта. *Дарахтнинг шохини кесмоқ.* ■ *Келди ёз чоғи, Мевалар пишди. Олмалар шохи Эгилиб тушди.* И. Муслим. *Ҳа, Қодировга ишларинг тушмабди, сизлар дарахтнинг шохида бўлсаларинг, мен баргида юраман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Шох отмоқ Шох чиқармоқ, шохламоқ. *Капитан бекатга келиб, наъматак олдида тўхтади. У катта сададек шох отган.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Синиб тушган, кесилган новда, бутоқ ёки шох-шабба. *Шохларни ёқмоқ.* ▬ *Рахналарига янтоқ ва шох босилган паст деворли ҳовлиларнинг бузилган уйлари ташқаридан кўриниб турар эди.* С. Айний, Қуллар.

ШОХ II [*ф.* شاخ – мугуз, шох] Баъзи ҳайвонларнинг бошидан ўсиб чиқадиган суяксимон қаттиқ ўсимта; мугуз. *[Ҳўкиз] Найзадек ўткир шохларини унга тўғрилаб.. хуруж қилиб кела бошлади.* К. Яшин, Ҳамза.

Унинг шохи борми? Унинг бошқалардан нима ортиқлиги бор? **Шох ташламоқ** *с.т.* 1) оқсоқланиб юрмоқ, оқсоқламоқ, чўлоқланмоқ; 2) бир томонга оғмоқ, қийшаймоқ. *Варрак шох ташлади.* ▬ *Тожихон бирдан шох ташлаб, қаҳқаҳа урди.* Мирмуҳсин, Югурдак; 3) у ён-бу ёнга эгилиб, ўйинга тушмоқ, ўйнамоқ. *Ўйинчилар ноз ва эҳтирос билан мақомга шох ташлаб, кўзларини сузиб ўйнардилар.* Ойбек, Навоий; 4) бирор томонга ён босмоқ, беқарорлик қилмоқ. *Убайдуллахўжа аълам.. кимдан кўпроқ пора олиш ниятида дам у, дам бу томонга шох ташлаб, уларни* [*бойларни*] *икки ой овора қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Шохи синмоқ** (*ёки* **қайрилмоқ**) Бирор ҳолат, даража имкониятидан маҳрум бўлмоқ. *[Муаттар:] Бир ялангоёқ Пўлатнинг шохини қайиролмаган йигит осмондаги юлдузга қўл чўзса қизиқ бўлар экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Қўявер.. биздан олдин ўзининг акасидан шохи синадиган бўлиб турибди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Шохинг чиқадими?** Бирор еринг ортиб қоладими, нима фойда кўрасан? *Билдики, хотини билан ади-бади айтиша бергани билан шохи чиқмайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ШОХАЛАК *айн.* **шохилак.**

ШОХАРИҚ Бир неча пайкалга сув берадиган асосий дала ариғи. *-Ҳозирча марза текислаб, шохариқ чопяпмиз, – деди Комилжон Муродовага.* И. Раҳим, Ихлос.

ШОХИЛАК Шўрадошлар оиласига мансуб, шўр ва тақирликда ўсадиган, барги майда ва ширали бута ўсимлиги.

ШОХЛАМОҚ I Шох, бутоқ чиқармоқ, шох отмоқ (ўсимлик ҳақида). *Зокир ота ғўза шохласа, кўсак кўпаяди, деган фикрга қўшилди, лекин ҳосил ортади, деган фикрни рад қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тўрт йигит бирдан тўрт тарафга шохлаб кетган, қучоққа сиғмайдиган ёнғоқларга чиқиб, узун хода билан қарс-қарс қоқа берди.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ШОХЛАМОҚ II Шохи билан сузмоқ. *Шу топда у рақибини шохлайман деб бошини тошга урган қўчқорга ўхшайди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШОХЛИ I Поясидан шох ўсиб чиққан; сершох. *Шохли дарахт. Шохли ғўза.*

ШОХЛИ II Бошида шохи бор. *Шохли қўйлар. Шохли кийик. Шохли қорамол.*

ШОХОБЧА [*ф.* شاخابه – ирмоқ, кичик сув йўли; тор денгиз қўлтиғи] **1** Катта сув йўлидан тарқалган кичик сув йўллари: канал, ариқ ва ариқчалар. *Канал шохобчаси. Ариқдан шохобчалар чиқармоқ.* ▬ *Хоразм ирригаторлари бу дарёнинг* [*Амударёнинг*] *қуйи оқимида янги-янги шохобчалар бунёд этаётирлар.* З. Сатиев, Туямўйин канали.

2 *кўчма* Бир турдаги ташкилот, корхона ва ш.к. мажмуи. *Темир йўл шохобчалари. Савдо шохобчалари* (*яна қ.* **тармоқ).**

ШОХСИЗ I Шохи, бутоғи ёки новдаси бўлмаган, шох-шаббаси кесилган. *Шохсиз дарахт.*

ШОХСИЗ II Бошида шохи йўқ, тўқол. *Шохсиз эчки. Шохсиз сигир.*

ШОХ-ШАББА 1 Дарахт ёки бутанинг шохлари ҳамда шохлардан иборат қисми. *Шох-шаббаларни кесмоқ.* ▬ *Ел кетма-кет бўкирар, бунга чидай олмаган шох-шаббалар қарс-қарс синар, кекса ёғочлар ғийқ-ғийқ этиб, ёлвориш овози чиқарар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Шундай шохлардан иборат ўтин; қуруқ шохчалар. [*Низомжон*] *Ўзи ғишт қуйиб, ўзи девор кўтарди. Тепасига тўсиқ териб, шох-шабба бостириб, лўмбоз қўйишга тайёрлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ШОША-ПИША *рвш.* Шошилинч равишда, шошган ҳолда. *Шоша-пиша кийинмоқ.* ▬ *Турсуной.. шоша-пиша кеч қолганлик сирини тушунтира бошлади.* Н. Фотиҳ, Турсуной. *Раҳим эса олазарак бўлиб, шоша-пиша китобларини халтасига тиқди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ШОШИБ-ПИШИБ *айн.* **шоша-пиша.** *Шошиб-пишиб гапирмоқ.* ▬ [*Алишер*] *Шошиб-пишиб мешкобнинг оғзини очиб, тўйиб-тўйиб сувдан ичди, ичди-ю, бирдан кўзи равшанлашиб кетди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ШОШИЛИНЧ 1 *сфт.* Тезда бажарилиши лозим бўлган; ошиғич. *Шошилинч буюртма. Шошилинч мажлис. Шошилинч иш. Шошилинч телеграмма. Шошилинч тиббий ёрдам. Иши жуда ҳам шошилинч эмас.* ▬ *Мен шошилинч бир иш билан Бухорога кетяпман..* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *рвш.* Шошган ҳолда, шоша-пиша, шошиб-пишиб. *Ғайратчан Халил ака ҳамма ишни ҳам шошилинч қиларди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *«Наҳотки Аваз бўлса?» деб гумонсиради ва калишини оёғига шошилинч илиб, ташқарига отилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *от* Шошиб турилган пайт. *Шошилинчда китобимни унутибман.*

ШОШИЛИШ Шошилган, тиғиз ҳолат; шошилинч ҳаракат. *Шошилишнинг ҳожати йўқ. Шошилишда калиши адаш бўлибди.* ▬ *Бу растада минг хил кийимли оломон йўқ, шошилиш йўқ, қўлни сиқиб, «бор, барака топ»лар ҳам йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШОШИЛМОҚ *айн.* **шошмоқ**. *Мунча шошиласан?* ▬ *Адолат шошилиб, уни [журнални] варақлай бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Тол шохидаги болалардан бири шошилиб туша бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бедармон бўлишига қарамай, бика укаси билан амакисини кўришга шошиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШОШМА(НГ) 1 Шошмоқ фл. буйр. м. шакли. -*Шошманглар, овқат қилиб юбораман, — дея мулозамат кўрсатди кулол..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шошманг, ойи! Олдин мен институтни битирай.. кейин кўз тагига олиб юрган қиз бор.* «Муштум».

2 *унд. с.* Бирор иш, хатти-ҳаракатдан тўхтатиш, диққат-эътиборни тортишни билдиради. -*Майли, мен борай, — деб пақиримни кўтарган эдим, Гулнора «шошманг» деди-ю, чопқиллаб уйларига кириб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Вой-бў, иситманг бор-ку! Шошма.. ҳозир тузатамиз!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ШОШМА-ШОШАР Ишни тез бажаришга интиладиган, шошиб иш қиладиган; шошқалок. *Шошма-шошар бола.*

ШОШМА-ШОШАРЛИК Шошиб иш қилиш, ишни бажаришда шошиш. *Тўғри айтасиз. Менинг шошма-шошарлигим қурсин..* «Муштум». *Фурсат қўлдан бой берилгани учун шошма-шошарлик бошланади ва бунинг натижасида ишлар сифатсиз бажарилади.* Газетадан.

ШОШМОҚ 1 Эришиш, етиш ва ш.к. га сабрсиз интилмоқ; ошиқмоқ. *Аваз Ёшулли билан очилиб гаплашолмади, раиснинг нега шошаётганига ҳам тушунмади.* С. Сиёев, Аваз. *Ёмғир аралаш қор ёғиб турган бўлса ҳам, у негадир шошмас эди.* С. Зуннунова, Янги директор. -*Раҳмат, шошиб турибмиз, — деди Меливой.* Ф. Мусажонов, Нозик масала.

2 Тез, зудлик билан бажармоқ; тез, илдамлик билан ҳаракат қилмоқ. *Одамларнинг шошиб юришига қараганда, қорми, ёмғирми ёғса керак.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Шошиб хатни ёнидан чиқазиб, қўлига берди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Заргаров ҳали қаёққа боришини билмаса ҳам, шошиб, этикларини кийди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

3 Тўсатдан юз берган иш, ҳодиса туфайли ҳовлиқмоқ, ҳаяжонланмоқ, эсанкирамоқ. *Тўсатдан меҳмонлар келиб, шошиб қолдим. Шошганда лаббай топилмас.* Мақол. ▬ *Қудрат эса болаларнинг гапини тинглашини ҳам, атрофдаги бой манзараларни кўриб олишини ҳам билмай, шошиб қолган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Ақли шошмоқ 1) ҳайрон қолмоқ, ажабланмоқ. *Кўргазмага келганларнинг у ердаги экспонатлардан ақли шошади;* 2) гангиб қолмоқ, нима қилишини билмай қолмоқ. *Ана шу ерга келганда кўпларнинг боши гангиб, ақли шошиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Шошма ҳали** *ёки* **шошмай тур** Қараб тур ҳали, мендан кўрасан (дўқ, пўписа). *Шошма ҳали, пешонангдан отиб, ерга чўзилтирмасам, одам боласи эмасман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сен ўзбошимчани акамга айтиб, адабингни бердириб қўймасамми, сен этаксиз, шошмай тур..* К. Яшин, Ҳамза.

ШОШҚАЛОҚ *айн.* **шошма-шошар.** *Э, мунча шошқалоқсан. Ҳали Назарбой ҳам шолғом, турп сепгани йўқ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Уст-боши лой, юз-кўзи қурум, жулдур, шошқалоқ одамлар бир-бирини танимас, гап қотгани вақти йўқ эди.* А. Мухтор, Чинор.

ШОШҚАЛОҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Шошиб ҳаракат қилмоқ, шошиб қолмоқ, шошмоқ.

ШОШҚАЛОҚЛИК Шошма-шошарлик қилиш, шошиш. *Ўқитувчи тажанглик, қў-*

поллик, шошқалоқлик, бесабрлик каби номатлуб сифатлардан бутунлай мусаффо бўлиши шарт. Р. Усмонов, Одобнома. *Ҳали ўринларини йиғиштириб улгурмаган жангчиларнинг ҳаракатида шошқалоқлик кўринди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ШОШҚИН 1 Шошиб, тез ҳаракат қиладиган; бирор томонга ошиқаётган; шошаётган. *Шўх қизлардай қанча шошқин бўлсанг-да, Кирибдурсан меҳнат аҳлин қўлига.* Ғайратий. *Тез оқар шошқин дарёнинг.. соҳил бўйларидаги дарахтларнинг сарв қомати аста-секин кўрина бошлади, тонг эндигина ёришаётган эди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

2 *айн.* **шошилинч 1.** *Эшикдаги шарпани уйдагилар сезди шекилли, девор орқасидан шошқин ҳаракатлар, оёқ товушлари, гапсўзлар эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ШОШҚИНЛИК Шошқин ҳаракат, шошиш. *Унинг одимларида шошқинлик йўқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШОШҚОҚ *с.т. кам қўлл.* Шошма-шошар, шошқалоқ.

ШОЯД(КИ) [*ф.* شاید – эҳтимол, балки; зора, кошки] *мод. с.* Хоҳиш-истак билдиради; қани энди, зора, кошки. *Шояд, у келиб қолса!* ▬ *Шояд, ўйлаганларининг чаппаси чиқса; шояд, севгилиси нажот йўлини топиб келган бўлса?* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Сиз шитоблик билан Ғуломжонга хабар қилинг, шояд, тадбирини топса..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШОҚУЛ [*а.* شاقول – ипга боғлаб осилтирилган қўрғошин соққа < *ҳинд.* ساهل (сахул) – айни маънода] Бинокорликда: девор, устун ва ш.к. нинг тик (вертикал) ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига тош боғланган ипдан иборат асбоб; шовун. *Солланганда шоқулнинг ипи, Уюмуюм ғиштлар ётганда, Мен кўраман барчасини ҳув – «Ўн иккилар» аҳди-шахтини!* М. Али.

ШОҲ [*ф.* شاه – подшоҳ] **1** *айн.* **подшо(ҳ)**. *Эрон шоҳи (тар.). Шоҳнинг қизи.* ▬ *Шоҳ боласига – юрт ва сипоҳ, дарвеш боласига масжиду хонақоҳ керак.* Ойбек, Навоий. *Ўйлама, ўлгунча ҳар ким бу разолатда кетар, Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шаҳзоддур.* Ҳамза.

2 Шахмат ўйинида: энг асосий фигура. *Бир вақтнинг ўзида рақиб шоҳига ва доналаридан бирига ҳужум қилиш икки ёқлама зарбанинг энг кўп учрайдиган хилидир.* М. Муҳиддинов, Шахмат.

3 Шахмат ўйинида: бирор дона билан бевосита рақибнинг шоҳига қилинадиган ҳужум; кишт. *Шоҳ бериб мот қилмоқ.* ▬ *Мирза Муҳиддин қалтис бир шоҳ бериб, Мухторхон ўйланиб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 *с.т.* Қарта ўйинида: тождор чол расми тасвирланган, куч жиҳатидан туздан кейин турадиган қарта.

5 *кўчма* Нарса ёки кимсаларнинг энг яхшиси, сараси. *Қушлар шоҳи – бургут.* ▬ *Неча юзлаб таомлар орасида палов миллий пазандаликнинг шоҳ таоми ҳисобланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули, Қошларингни кўрсатгил, мен унинг қули.* С. Айний, Дохунда. *Бир юлдуздир етти кўкда – фалакда, Коинотнинг машъалига ўхшатдим. У, дунёга тақдим қилди шоҳ асар, Мен ҳам унга шу достонни яратдим.* М. Шайхзода.

6 Баъзи сўз бирикмалари таркибида «бош», «асосий», «катта» деган маъноларни билдиради (бундай сўз бирикмаларининг баъзилари қўшма сўзга айланган ва айланмоқда). *Шоҳ кўча. Шоҳ бекат.* ▬ *Сирдарё тўсилиб, шоҳ тўғон қурилди.* Газетадан.

ШОҲАНШОҲ [*ф.* شاهنشاه – улуғ шоҳ; шоҳларнинг шоҳи] Эрон шоҳининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Ул улуғ шавкатли шоҳаншоҳ кечаси муҳим давлат иши билан машғул бўлиб, энди ухламоққа майл бўлдилар.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

ШОҲБАЙТ [*ф.* + *а.* شاه بيت – ғазал ёки қасиданинг муаллиф кўрсатилган байти] Чуқур мазмунли, юқори санъатли, диққатни жалб қилувчи байт (шеър). *Авазнинг қулоғига унинг гапи кирмас, у тарсаки егандек, шайх Саъдийнинг шоҳбайтига тикилиб ўтирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШОҲИ [*ф.* شاهی – шоҳларга мансуб] *айн.* **шойи.** *Сен ухлайсан, аммо Марғилон Сенга атаб тўқийди шоҳи.* Ё. Мирзо. *Анвар Мурод.. шоҳи пардаларни кўтарди.* Ойбек, Нур қидириб. *Уялди-ю, ҳеч гап айтмайин, Уйга қараб секин қўзғалди, Сув бўйида, ойдинда майин Битта шоҳи рўмолча қолди.* Ҳ. Олимжон.

ШОҲИД [*а.* شاهد – гувоҳ; кузатувчи] Бирор иш, воқеа, хатти-ҳаракатда бевосита иштирок этган, қатнашган ёки уни кўрган шахс; гувоҳ. *Йўқ.. исбот учун виждоним-*

дан бошқа шоҳидим йўқ! [*деди Отабек*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Менда ҳеч қандай гувоҳ йўқ! Шоҳидим бор!* — *Ғуломжон томоғи қирилиб, ранги ўчиб, бўзариб гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Куштгирий шошиб-пишиб, ўзи шоҳид бўлган воқеалардан гапириб берди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ШОҲИДЛИК *айн.* **гувоҳлик**.

Шоҳидлик бермоқ Кўрган-билган воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар, маълумот бермоқ, гувоҳлик бермоқ. *Тарихчи Хондамир шоҳидлик берганидек.. Амир (яъни Навоий) болалик давридан ҳаётининг охиригача файзли ва баракали вақтининг кўп қисмини илм ва камол таҳсилига сарф қилди.* «Фан ва турмуш».

ШОҲИЧИ *айн.* **шойифуруш**. *Зиё шоҳичи, эрталабки чойни ичиб борарман, деган эди, биз унинг билан ҳам тўй кенгашларини қиламиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШОҲЛИК 1 Шоҳнинг мансаби, мавқеи. *Ҳаддан ошиб кетди кўрган меҳнатим, Қўлдан кетди бари шоҳлик, давлатим.* «Рустамхон».

2 Шоҳнинг қўл остидаги давлат, мамлакат, эл-юрт.

ШОҲНИШИН [*ф.* شاهنشين — фахрий жой, ўрин; болохона] *эск.* Подшо, хон каби олий ҳукмдор ўтирадиган, унинг тахти қўйилган хона. *Бу дарвозадан хоннинг ўзи юрмас, чунки унинг ҳарамга кирадиган йўли ўз маҳкамаси ва шоҳнишин орқали эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ШОҲНОМА [*ф.* شاهنامه — шоҳ ҳақидаги асар] **1** (Ш — *катта*) Форс шоири Фирдавсийнинг қадимги шоҳлар тарихига бағишланган йирик достонининг номи.

2 Умуман, кўпинча, йирик бадиий, шеърий асар. *Ҳаётимиз ҳали минг шоҳномалар бўлади.* Ғ. Ғулом.

ШОҲОНА [*ф.* شاهانه — подшоҳларча, подшоҳга оид; виқорли; ҳашаматли] **1** Подшоларга хос, шоҳларда бўладиган; олий даражадаги, жуда яхши. *Шоҳона кийим. Шоҳона жиҳоз. Шоҳона кийинмоқ. Шоҳона яшамоқ.* ▬ *Бутун мажлисни* [*Ҳусайн Бойқаро*] *ўзининг шоҳона зиёфатига таклиф этди.* Ойбек, Навоий. *Шу орада тиктирди ўзига либос, Бир либоски, шоҳона, шоҳ қизига хос!* Шуҳрат. *Ўзига ўзи зеҳн солиб, шоҳона қадам билан залга қараб юрди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 *кўчма* Дабдабали, ҳашаматли. *Пулингиз сандиққа сиғмаётган бўлса, каминага беринг, мен ўзим шоҳона уй-жой қурдириб бераман.* О. Ёқубов, Диёнат. *Мана шу янги иморатда дабдаба билан шоҳона тўй бермоқчи бўлиб, чор томонга чопар чоптирди.* «Муштум».

3 *кўчма* Энг йирик ва энг яхши, оламшумул. *Космосга биринчи одамнинг.. парвоз қилиши кишилар ижодий меҳнатининг шоҳона самараси бўлди.* Газетадан. *Унинг* [*Пушкиннинг*] *шоҳона асарлари яна кўплаб янги санъат дурдоналарини яратишга асос бўлди.* Газетадан.

ШОҲРОҲ [*ф.* شاهراه — катта, бош йўл] *кт.* Катта йўл, бош йўл.

ШОҲСУПА *айн.* **шосупа**. *Шоҳсупага оқшом нафасин Сув бўйидан урарди райҳон.* Шукрулло. *Булар* [*меҳмонлар*] *кириши билан ойдинда шоҳсупадан барваста бир одам қўзғалиб: -Хуш келибсизлар,* — *деди.* А. Мухтор, Чинор.

ШОҲТУТ *айн.* **шотут**. *Шоҳтут қиёмин бир тотиб кўрсанг, Ажиб мўъжиза экан-ку, дерсан.* Шуҳрат.

ШПАКЛЁВКА, шпатлёвка [*р.* < *нем.* Spatel < *итал.* spatola — рассом ва аптекачининг куракчаси < *лот.* spatha — курак, қилич] Бўяш олдидан тешик-ёриқларни, ботиқларни беркитиш учун ишлатиладиган хамирсимон махсус қоришма. *Шпаклёвка сурмоқ.*

Шпаклёвка қилмоқ Тешик-ёриқларни шундай қоришма (шпаклёвка) суриб беркитмоқ, текисламоқ.

ШПАЛ [*р.* шпала < *нем.* Spale — зина поғонаси; узун, ясси хода *ёки голл.* spalk — тирговуч, тиргак] Темир йўл кўтармасига кўндаланг ётқизиладиган ва рельслар учун таянч вазифасини ўтайдиган, ёғоч, темир ёки темир-бетондан тайёрланган чорқирра тўсин. *Гудрон суркалган дарахт ёнмайди, у сингдирилган темир йўл шпаллари эса чиримайди.* Газетадан.

ШПАНКА [*р.* < *пол.* hiszpan — испан, испаниялик] Раънодошлар оиласининг олча туркумига мансуб, меваси йирик, тўқ қизил оддий олча нави.

ШПАРГАЛКА [*р.* < *пол.* szpargalka — эски, ёзиб ташланган қоғоз < *лот.* sparganum — йўргак] Имтиҳон вақтида ўқувчи, ўқитувчига билдирмай, яширинча фойдала-

надиган, жавоблар ёзилган қоғоз. *Розия имтиҳон пайтларида бўлган қизиқ-қизиқ воқеаларни, шпаргалка ишлатиб қўлга тушиб қолаёзганини кула-кула гапириб берди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

ШПАТ [*пол.* szpat < *нем.* Spat] *мин.* Ишқорий ва ишқорий-ер металлар тузларининг изоморф аралашмасидан иборат минералларнинг умумий номи. *Ернинг устки қатлами — литосфера ҳар хил бирикмалардан иборат бўлиб, тоғ шпати, кварц каби минераллардан ташкил топган.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

ШПАТЕЛЬ [*нем.* Spatel — рассом ва аптекачининг куракчаси < *лот.* spatha — курак, қилич] **1** *махс.* Замазка ёки шпаклёвка суртиб текислаш учун ишлатиладиган, ясси куракча шаклидаги асбоб.

2 *тиб.* Танглайни кўриш учун ишлатиладиган, ясси куракча ёки ясси таёқча шаклидаги металл асбоб. *Оғиз бўшлиғини қараш учун оғизни катта очиб, тилни ҳар томонга ўгириб, қошиқ банди ёки шпатель билан тилни босиб қаралади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ШПИЛЬКА [*пол.* szpilka < *нем.* Spill — бино томининг нинасимон учи; вертикал чиғир] **1** Сочга тўғнаб қўйиладиган айрисимон буюм. *Суяк шпилька.*

2 *с.т.* Хотин-қизлар туфлисининг бигизсимон пошнаси ва шундай пошнали туфли.

ШПИНДЕЛЛИ Шпиндели бор, шпинделларга эга. *Горизонтал шпинделли пахта териш машинаси.*

ШПИНДЕЛЬ [*нем.* Spindel — урчуқ, дук, йиг] *тех.* **1** Металл кесиш станогининг айланувчи вали; унга асбоб (фреза, парма, жилвиртош ва б.) ёки ишлов бериладиган буюм маҳкамланади.

2 Пахта териш машинасининг конус ёки цилиндр шаклидаги иш органи. ▬ *Механик усул билан пахта терилганда, вертикал ёки горизонтал шпинделлардан фойдаланилади.* Қ. Зокиров, Мўл-кўлчилик учун.

3 Ип йигирувчи машинанинг дуги; йиг.

ШПИОН [*нем.* Spion < spahen — кузатмоқ, таъқиб қилмоқ; айғоқчилик қилмоқ] **1** Давлатга оид ва ҳарбий сирларни махфий равишда билиб, ўғирлаб олиб, бошқа мамлакатга, душман томонга етказувчи шахс; жосус.

2 с.т. Шпионга хос иш тутувчи, хатти-ҳаракат қилувчи. *Кўряпсизми, шпион ўлгурни? Шунга эҳтиёт бўлинг. Шум кампирнинг агенти у.* С. Аҳмад, Келинлар қўзғолони.

ШПИОНЛИК Шпионга хос иш, хатти-ҳаракат. *Шпионлик билан шуғулланмоқ.*

ШПОНКА [*пол.* szponka < *нем.* Spon — пона; майда тараша] *тех.* Машина ва механизмларда: деталларни бириктирувчи қисм.

ШПОР, шпора [*нем.* Sporn — туртки, ниқташ < sporen — оёқ билан ниқтамоқ (отни)] Отлиқ харбийларда: отни қисташ учун хизмат қиладиган, этик пошнаси орқасига бириктириб қўйиладиган ғилдиракчали темир асбоб. *Конвойлар отларнинг биқинларига шпорларини қадашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Майна совуқ еган оёқларини ўйнатган эди, хром этигидаги шпорлар шиқиллаб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ШПОРЛИ Шпор ўрнатилган, шпор тақилган. *Ҳоким қўл қовуштириб турган одамларни кўрмагандек, тўғри шосупага бордида, бахмал кўрпа солиниб, парёстиқлар уйилган тўрга шпорли этиги билан чиқиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШПРИЦ [*нем.* Spritze < spritzen — сепмоқ, пуркамоқ] Даражаларга бўлинган шиша ёки металл цилиндр ҳамда поршендан иборат асбоб (организмнинг тўқима ва бўшлиқларига киритиладиган ковак нина ёки катетер орқали дори юбориш ёки суюқлик тортиб олишда қўлланади). *Шприцнинг игнаси.* ▬ *Гулноз шприцга аллақандай суюқ дори солиб кирди ва укол қилиш учун беморга яқинлашди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ШРИФТ [*нем.* Schrift — ёзув, ёзиш; ҳарф < schreiben — ёзмоқ] Ҳарф териш машиналарида матнлар териш учун мўлжалланган босмахона литерлари (ҳарфлари). *Йирик шрифт. Курсив шрифт. Шрифт термоқ.*

ШТАБ [*нем.* Stab — подшолик аломати бўлган асо, ҳасса; ҳарбий қароргоҳ] **1** Ҳарбий қисмларни бошқарувчи асосий орган. *Бош штаб. Полк штаби. Дивизия штаби.* ▬ *Капитан, асирни штабга элтиш ҳақида буйруқ бериб жўнади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кенгаш борар ҳарбий штабда, Қайнамоқда иш булоқ-булоқ.* Ҳ. Пўлат. *Биз энди дарҳол бош штаб ҳузуридаги ҳарбий кенгаш қарорларини*

амалга оширишимиз лозим. К. Яшин, Генерал Раҳимов.

2 *кўчма* Умуман, раҳбарлик органи. *Агросаноат бирлашмаси штабига келганларнинг ҳасратларидан тутун чиқаётгандек эди.* «Муштум». *Йигитали ҳам факультет штаб бошлиғи сифатида Сирдарёга жўнади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ШТАБ-КВАРТИРА [штаб + квартира] Ҳарбий штаб ўрнашган жой, штаб қароргоҳи. *Кечқурун соат 19 да Юрьев Ильичёвка қишлоғидаги штаб-квартирада кенгаш чақирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШТАМП [*нем.* Stampfe < *итал.* stampa – муҳр] **1** Муҳрнинг одатда тўғри бурчакли тури, унда муассаса номи, манзили ва б. кўрсатилган бўлади. *Унинг ичидаги иккига букланган қоғознинг юқорисида.. журналнинг штампи бўлиб, остига «ўртоқ Саидий» деб ёзилган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Турли материаллар (металл, пластмасса ва б.) га босим билан ишлов бериб, муайян шаклдаги буюмлар тайёрлаш учун мўлжалланган асбоб. *Пленум.. штамп ва асбобларни алмаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш.. юзасидан аниқ вазифаларни белгилади.* Газетадан. *Биз штамп усулида деталь ишлашни йўлга қўйгандик, қиринди анча камайди.* Газетадан.

3 *кўчма* Ишлатилавериб сийқаси чиққан, тайёр намуна, бир қолипдаги гап ёки ибора; шаблон. *Адабий штамп.* ▬ *У газета саҳифаларида шаблон ва штампга йўл қўймаслик зарурлигини айтади.* Газетадан. *Нутқнинг психофизиологик, информатив ва штамп шакллари оғзаки нутқ учун ҳам, ёзма нутқ учун ҳам хосдир.* «ЎТА».

ШТАМПЛАМОҚ 1 Штамп босмоқ. *Хатларни штампламоқ.*

2 *тех.* Штамповка йўли билан бирор нарса тайёрламоқ. *Деталларни штампламоқ.*

ШТАМПОВКА, штамплаш 1 Штамп воситасида буюм ёки деталь тайёрлаш; штамплаш. *Штамповка қилинган буюмлар. Штамповка станоги.*

2 Штамп воситасида тайёрланган буюм. *Машинасозлик саноатида қуймалар, штамповкалар ишлаб чиқарадиган корхоналарни ихтисослаштириш.* Газетадан.

ШТАМПОВКАЧИ Штамп воситасида буюм тайёрловчи, штамповка қилувчи ишчи, мутахассис. *Қосимжон ҳозир улкан корхонанинг уста штамповкачиси ҳисобланади.* Газетадан.

ШТАНГА [*нем.* Stange – узун таёқ(ча), ҳода] **1** Тахминан икки метрли металл таёқ ва унинг икки учига ўрнатилган маълум оғирликдаги дисклардан иборат, кўтариб куч синашда қўлланадиган спорт анжоми. *Узоқ вақт стадион спортчилар билан гавжум бўлади. Бири штанга кўтаради, иккинчиси диск улоқтиради.* Газетадан. *Диск, штанга, турник сингари инвентарларни еб бўлмаса, ичиб бўлмаса!* «Муштум».

2 Футбол, хоккей ва ш.к. дарвозасининг тепа ва ён ёғочлари. *Тўп штангага тегди.*

3 Машина, механизмларда металл ғўладан иборат қисм, деталь.

ШТАНГАЧИ Штанга кўтариш билан шуғулланувчи спортчи. *Ер юзидаги энг кучли штангачи Алексеев бу сафар ҳам инсон имкониятлари нақадар катталигини яна бир бор намойиш қилди.* Газетадан.

ШТАНГЕНЦИРКУЛЬ [*нем.* Stangenzirkel] Деталлар ва уларнинг қисмларини (эни, бўйи ва қалинлигини) ўлчайдиган асбоб.

ШТАПЕЛЬ [*нем.* Stapel – пахта толаси] Қисқа толали сунъий ёки синтетик ипдан тўқилган газлама. *Майдонда одам қанчалик кўп бўлса ҳам, оқ йўлли штапель кўйлак кийган Гавҳарни Маҳкам жуда узоқдан ажратди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Аввалги линтер пахта кўрпа-ёстиқдан бошқасига ярамасди. Ҳозиргисидан штапель тўқиляпти.* Газетадан.

ШТАТ I [*нем.* Staat – давлат; бошқарув < *лот.* status – ҳолат, хосса; бойлик] АҚШ, Бразилия, Мексика, Венесуэла, Нигерия ва б. баъзи федератив давлатларда: федерация таркибига кирувчи ва маълум даражада ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат маъмурий-ҳудудий бирлиги. *АҚШнинг Калифорния штати. Ҳиндистоннинг Мадрас штати.*

ШТАТ II [*нем.* Staat] Корхона, муассаса, ташкилот ходимларининг доимий, барқарор шахсий таркиби, уларнинг лавозим ва маошлари кўрсатилган рўйхати. *Штатни қисқартириш. Штатдаги инженер.* ▬ *-Табелчилик штати керакми? – сўради раис бригадирдан.* Газетадан. *Штатни қисқартириш орқали тежалган бир неча минг сўм кўзга кўриняпти..* «Ўзбекистон қўриқлари».

Тортмадан папкага солиб қўйилган штат рўйхатини олдим. Газетадан.

ШТАТИВ [*нем.* Stativ < *лот.* stativus – тик турувчи] **1** Турли асбоб, кимёвий идиш ва ш.к. ни муайян вазиятда тутиб турадиган мослама. *Микроскоп штативи. Колбани штативга ўрнатиш.*

2 Фото- ва киноаппаратлар ёки астрономик, геодезик асбоблар ўрнатиладиган йиғма асбоб; учоёқ.

ШТАТСИЗ Бирор муассаса штатида бўлмаган ёки штатда ҳисобланмайдиган. *Штатсиз мухбир. Штатсиз лектор.* ▬ *Штатсиз бўлимлар ўз ишини жамоатчилик асосида олиб боряпти.* Газетадан.

ШТЕМПЕЛЬ [*нем.* Stempel – муҳр, тамға] Тамға босадиган асбоб, муҳр; шундай предметнинг изи. *Почта штемпели. Штемпель босмоқ.*

ШТИК [*р.* штык < *пол.* sztych – тиғли совуқ қурол] Милтиқ стволи учига ўрнатилган қиррали найза. *Штик санчмоқ.* ▬ *Унинг ўнг кифти ёнида тиккайиб турган қиррали штик Эргашнинг кўзига чақмоқдай кўринди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШТОРМ [*голл.* storm – бўрон, кучли шамол] Довул, пўртана. *Беш балли шторм. Шторм сигнали.*

ШТРАФ [*нем.* Strafe – жазо, жазолаш; пул жаримаси] *қ.* **жарима**. *Штраф қилмоқ (солмоқ). Штраф тўламоқ.* ▬ *-Жуда шафқатсиз одамлар-да, бу инспекторлар, – деб нолиди йигит бехавотир жойга етиб олгач, – қўлга тушсанг, штраф тўлаш билан қутулмайсан. Кира қиляпсан, деб молияга ёзиб беришдан ҳам тоймайди булар.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШТРЕЙКБРЕХЕР [*нем.* Streikbrecher – иш ташлашни издан чиқарувчи, бузувчи] Иш ташлаш вақтида ишни давом эттириб, забастовкачилар манфаатига хоинлик қиладиган шахс.

ШТРИХ [*нем.* Strich – чизиқ, линия] **1** Қоғозга туширилган ингичка чизиқ. *Оппоқ қоғозлар сатҳида штрих кетидан штрихлар, юмалоқ, конус, цилиндр шаклидаги қиёфалар стол устида сочилиб ётибди.* Газетадан.

2 *кўчма* Бирор предмет ёки нарсадаги алоҳида хусусият, ўзига хос нозик томон. *Актёрлар ҳам ўз ролларига ижодий ёндашганлар.. образларни комик штрихлар ёрдамида тўлдирганлар.* А. Акбаров, Ёр-ёр.

ШТУРВАЛ [*голл.* stuurwiel < stuur – руль + wiel – ғилдирак] Кема, самолёт ва б. турли хил машиналарнинг ҳаракатини бошқарадиган руль. *Мастура, штурвалга ўтириб, «оқ олтин» денгизига шўнғиди.* Б. Файзиев, Ойдин кеча. *У* [*Жерар*] *ярим ойдай ялтираб турган штурвалга қўлини қўйиб, рўпарасидаги сон-саноқсиз лампа.. ва циферблатларнинг кўк, қизил, бинафша шуълаларига тикилиб ўтирибди.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

ШТУРВАЛЧИ Штурвални бошқарувчи шахс.

ШТУРМ [*нем.* Sturm – қаттиқ ҳужум] **1** Душман истеҳкомига ёки таянч нуқтасига қилинган шиддатли ҳужум. *Қалъани штурм билан эгалламоқ.* ▬ *Шиддатли штурм натижасида душман мудофаа марраларидан қувиб чиқарилди.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

2 *кўчма* Бирор мақсадга эришиш учун шиддатли ҳаракат, интилиш. *Альпинистлар чўққини штурм билан эгалладилар.* ▬ *Пахта фронтида қаттиқ штурм бошлаш керак.* Газетадан. *Завод ва фабрикаларимиз, қурилиш ва транспортларимизда баъзан ойнинг сўнгги декадаси штурм кунларига айланиб кетади.* Газетадан.

ШТУРМАН [*голл.* stuurman – рулни бошқарувчи < stuur – руль + man – одам, киши] **1** Кема ва самолётларни энг мувофиқ йўл танлаб, бошқариб борувчи мутахассис. *Учувчилар, штурманлар хонасида, учиш хонасида диққинафас бўлиб ўтиришади.* Газетадан.

2 *кўчма* Машина ва ш.к. механизмларни бошқарувчи шахс. *«Зангори кема» штурмани Эргашхон Турғунова ўз машинасининг бункеридан 140 тоннага яқин пахта тўкиб, умумий меҳнат ғалабасига ўз ҳиссасини қўшади.* Газетадан.

ШТУРМБОЗЛИК *айн.* **штурмчилик**. *Айрим корхоналар ойлик режаларини ошириб адо этяптилар. Лекин бунга штурмбозлик.. эвазига эришилмоқда.* Газетадан.

ШТУРМОВИК [«штурм 1» с. дан] **1** Унча катта бўлмаган баландликдан ердаги нишонларга ҳужум қилувчи жанговар самолёт; шундай самолёт учувчиси. *Командирнинг ҳавода берган буйруғи билан Йўлдошнинг штурмовиклар звеноси эскадрильянинг бошқа икки звеноси ўртасидаги позицияни эгаллади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 *тар.* Фашистлар Германиясида: ҳарбийлаштирилган нацистлар ташкилотининг аъзоси.

ШТУРМЧИ Штурм қилувчи (тўғри ва кўчма маънода). *Штурмчи самолёт.* ▬ *Штурмчилар ҳаммадан илгари Берлинга бостириб бордилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Космоснинг навбатдаги штурмчи азаматлари орасида врач ҳам борлиги биз учун беҳад қувончлидир.* Газетадан.

ШТУРМЧИЛИК Иш режасини бажаришда орқада қолиб, муддат оз қолганда, режани бажариш учун шошилинч равишда ишга ташланиш; штурмбозлик. *Заводларни кварталлар бўйича бир текис иш билан таъминламасликка барҳам бериш, йилнинг охирида штурмчиликни тугатиш зарур.* Газетадан.

ШУ *кўрс. олм.* **1** Сўзловчига яқин, унинг кўз ўнгидаги нарсани ёки кимсани кўрсатиш учун хизмат қилади. *Шу нарса. Менга шу китоб керак. Ташаббусни шу бригада бошлаб берди. Мана шу жойдан кесинг. Менга шу ер маъқул. Ҳикоянинг шу ерига келганда, гап бўлинди. Сиз шу ерда қолинг. Канал шу ердан бошланган. Сиз шу ерликмисиз?*

Шу атрофда Унчалик узоқ бўлмаган жойда; яқин орада, яқин ўртада. *Шу атрофда қудуқ борми? Болалар шу атрофда эди.* **Шу орада** (*ёки* **ўртада)** 1) яқин муддат орасида, айни вақтда. *Шу орада раис келиб қолди. Шу орада тўй ҳам бўлиб ўтди;* 2) яқин орада, яқин жойда, унчалик узоқ бўлмаган жойда. *Сигирингни шу орада ўтлатиб юр! Кетмонни шу орада қолдирган эдим. Шу ўртада сув борми?* ▬ *Шу ўртада бирдан.. хўжайин бориб қолдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 «Пайт», «вақт», «он», «дам» каби сўзлар билан келганда, сўз бораётган нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг бошқаси билан айни вақтда, бир вақтда содир бўлганлигини ифодалайди. *Шу чоққача. Шу пайтгача. Шу вақтгача. Шу дамгача. Шу маҳалгача. Режани шу ой бўлмасаям, янаги ойда бажарамиз. Шу пайтда от кишнаб юборди. Шу вақтда хўроз қичқирди. Шу онда бир киши кириб келди.* ▬ *Нақ шу паллада дарвозадан катта қора сигир шаталоқ отиб, орқасида бир кишини суриб кирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу онда ичкаридан ўз хотинининг товуши эшитилди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Искандаровнинг шу пайтгача разм солмаганини қаранг-а.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

Шунда 1) ушбу ерда, бу жойда. *Билсанг: уйим шаҳарда, Келдим сенга саҳарда, Юр, хўп десанг агарда, Ё шунда қоласанму?* Э. Воҳидов; 2) у ҳолда, шундай ҳолда, шундай пайтда. *Печка қурайлик, уй шунда исийди.*

3 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган шахс, нарса, вақт ва ш.к. ни алоҳида қайд этади, таъкидлайди. *Нима иш бўлганини шу одам билади. Шу қиш жуда совуқ келди. Пахта плани шу бу йил ҳам бажарилса, яхши бўларди. Менга китоб шу бугун керак. Шу бугундан эътиборан дарсга қатнашмайман.* ▬ *Шу бу йил мевага кирган бир талай шафтоли, олча, беҳини кесиб,* [*чол*] *ўтин қилипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Кесим вазифасида келиб, шахс, нарса-ҳодиса ва ш.к. нинг айнан шу гап билдирган нарса эканини қайд этади. *Хоҳласанг — шу, хоҳламасанг — катта кўча. Айтадиган гапим — шу. Ҳозирги давр талаби — шу. Унинг бўлган-тургани — шу. Унинг мақсади — шу.* ▬ [*Ёрмат:*] *Ишнинг пир ургани — шу. Кишини чақиб қўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Шу қадар Чунонам, шу даражада. **Шу ҳам ишми?** *ёки* **шу ҳам иш бўлдими?** Сўзловчининг бирор иш, хатти-ҳаракат, нарса ва ш.к. га салбий муносабатини, ундан қониқмаганини билдирувчи ибора. *Шу ҳам иш бўлдими, нега кеч келдингиз?* **Шундан-шунга** Аллақанча ердан, анча узоқдан. *Шундан-шунга пиёда келдим.* ▬ *..Шундан-шунга мен, сен бор, — деб келдим.* Муқимий.

ШУАРО [*а.* شعراء — «шоир» с. кўпл.] *эск. кт.* Шоирлар. *Мен бир ожиз фуқаронгизман.. аҳли шуаро ила фузало қавмига кўрсатган иноятларингиз таҳсинга сазовордир.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Шуарога саховатнинг етти дарвозасини очишларига аминман.* Ойбек, Навоий.

ШУБА [*нем.* Schaube — узун ва кенг кўйлак < *итал.* giubba < *а.* جبّه — ип газламадан қилинган кенг енгли уст кийим] Авраси мўйнали устки қишки кийим. *Бесўнақай шуба кийиб, шол рўмол ўраган бир аёл машинадан тушди.* Н. Аминов, Суварак.

ШУБҲА [*а.* شبهه — ўхшашлик; гумон; тахмин; иккиланиш] Ишончсиз қараш; ишончсизлик, гумон. *Кимдан шубҳанг бор?*

Шубҳага солмоқ. Шубҳага тушмоқ. Шубҳада қолмоқ. Шубҳа туғдирмоқ. Шубҳа билан қарамоқ. ▬ *Хаёлингдан шубҳани қувла, Юрагингда сақлама тугун.* Уйғун. *Хотинда ҳаяжон ва энтикиш ҳолатлари бор эди. Шунинг учун қўрбошининг бояги шубҳаси яна кучайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг кўкимтир юзидаги изтироб таажжуб билан, таажжуб шубҳа билан алмашди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Кўнглини.. шубҳалар, совуқ ваҳималар қоплаб, ўзини беҳол сезди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Шубҳа йўқ *айн.* **шубҳасиз**. *Шубҳа йўққим, ёв қадами топажак барҳам.* Ғайратий. **Шубҳа қилмоқ** Шубҳада бўлмоқ; шубҳаланмоқ. *Бу гаплар амирзода қулоғига етиб борганига асло шубҳа қилмаса ҳам бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Безовтадир элимиз — Юртимизга кирган ёв, Шубҳа қиламиз дарҳол, Бемаҳал юрса биров.* Ҳ. Олимжон.

ШУБҲАЛАНМОҚ Шубҳа қилмоқ, ишончсизлик билан қарамоқ; гумонсирамоқ. *Кимдан шубҳаланасан?* ▬ *Сўфи ҳам домлаимом мендан шубҳаланиб, бир неча марта ер остидан кўз қирини ташлаб, хўмрайиб қарадилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Йигитлар.. уни шунчалик иззат қилишар эдики, Асрор ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ШУБҲАЛИ 1 Шубҳа туғдирадиган; гумон қилиш мумкин бўлган. *Шубҳали ҳаракат.* ▬ *Алиқулнинг шубҳали ишлар билан банд эканлигини сеза бошладилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шубҳали одамларнинг ёнига чиқаверманг, ота!* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Шубҳа ифодаланган, шубҳа туғдирадиган. *Тўтибу Адолатга қараб, шубҳали овоз билан давом этди: -Назаримда, бир гап борга ўхшайди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Кўплар ундан ҳуркиб, шубҳали назар билан қараб, четланиб ўтар эдилар.* Ойбек, Танланган асралар.

ШУБҲАСИЗ 1 Ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган; аниқ. *Ўзбекистон рассомлари эришган муваффақиятлар шубҳасиз.* Газетадан.

2 *мод. с.* Муқаррар равишда, албатта, сўзсиз. *Шубҳасиз, у ҳақ. Режа, шубҳасиз, бажарилади.* ▬ *Мен биринчи навбатда тарбияни улардан* [*ота-онамдан*] *олганман ва уларнинг хислат ва хусусиятлари, шубҳасиз, менга таъсир қилган.* С. Айний, Эсдаликлар. *Қўшиғимга илҳом берган қиз Олам-олам ҳайдаб кетди ер. Ким кўрса ҳам уни, шубҳасиз, Пахтазорнинг қаҳрамони, дер.* Т. Тўла.

ШУБҲАЧИ Шубҳа қилувчи, шубҳа қилаверадиган, шубҳа билан қараш одати кучли. *Мен, тўғриси, шубҳачиман. Ҳар нарсада, ҳар ҳодисада бир иллат кўраман.* Ойбек, Нур қидириб.

ШУВ *тақл. с.* Бўғиқ шипилловчи товушни билдиради.

Шув этмоқ «Шув» деган товуш чиқармоқ. *Девордан шув этиб тупроқ тўкилди.* ▬ *Ҳалиги йигит мени мўлжалга олган эди, чап бериб қолдим. Бир копток ёнимдан шув этиб ўтиб кетди.* З. Дўсматов, Ёқут. **Юраги шув этиб кетди.** Юраги орқасига тортиб кетди; қаттиқ қўрқди. *-Назира! — деди кимдир тўсатдан. Назира овозни дарров таниди, таниди-ю, юраги шув этиб кетди, турган жойида қотиб қолди.* Ў. Умарбеков, Ширинсой оқшомлари.

ШУВАЛАМОҚ *қ.* **шиваламоқ.** *Яқиндагина шувалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво мусаффо.* С. Анорбоев, Оқсой. *Эрталабдан шувалай бошлаган ёмғир куннинг иккинчи ярмида тинди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

ШУВАМОҚ *шв. айн.* **сувамоқ**. Андава билан шувамоқ. ▬ *Обиджонинг.. яна бир куни токчаларни шуваб ташлаймиз, деб ўртоқларини бошлаб келипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..деворни йиқитди. Икки кун уриниб, қайта урдим. Бир кун шувадим.* А. Ҳамдам, Дастингдан.

ШУВОҚ I Майда оқиш баргли, ўзига хос ҳидли кўп йиллик ёввойи ўсимлик. *Қатортолдан тушиб, кенг чўлга чиқиш биланоқ онда-сонда шувоқ кўкарган қаттиқ ва тошлоқ ерлар босиб ўтиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Саксовулзорлар, сийрак ўсган чўл шувоқлари.. ортда қолди.* «Ёшлик». *Ерда — адирларда яшиллик униб чиқаётир: майсалар, шувоқлар, қўзигуллар..* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ШУВОҚ II *шв.* Сувоқ. *Малоҳат музикага маҳлиё бўлиб турган кезда, ер яна тебранди. Синчлар қарсиллаб кетди, шувоқлар дув тўкилди, ҳовлини чанг қоплади.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Ҳатто том(ни) шувоқ қилдирганда ҳам, бормадим.* С. Аҳмад, Суд.

ШУВОҚЗОР Шувоқ ўсган жой ёки майдон. *Улар узоқ юришди. Қумлик тугаб..*

шувоқзорда тушиб олишди. М. Мансуров, Ёмби.

ШУВОҚЧИ *айн.* **сувоқчи.** *Уста шувоқчи янглиғ андавалаб шувалар..* «Муштум».

ШУВУЛЛАМОҚ «Шув, шув» этган товуш чиқармоқ. *Ертўла атрофидан зах тупроқ шувуллаб тўкилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Табиат ўз тилида роз айтиб шувуллар экан, йигит бундан ўз қувончининг мадҳини ўқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўкда булутлар қуюқлаша бошлаб, майда ёмғир томчилари баргларни шилдиратиб, шувуллай бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Юраги шувуллаб кетди *айн.* **юраги шув этиб кетди** *қ.* **шув**. *Бирдан юрагим шувуллаб, яна ҳушсиздай бўлиб қолдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШУВУТ: юзи шувут бўлмоқ Қилмиши, айби туфайли бошқаларга кўринолмайдиган, уятга қолган, хижолатли. *Алдамчининг юзи шувут, Рози бўлмас ундан элт-юрт.* Мақол. ▬ *Бригадирнинг юзи шувут бўлиб, тили калимага келмай турганда, Карим кўзига чалинди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Пахтанинг меҳнати зўр, ҳимматимиз ундан зўр. Қондош эллар олдида юзи шувут эмасмиз.* F. Fулом.

ШУД [*ф.* شد / شود] Кишидаги бирор ишни уддалай олиш қобилияти; лаёқат. *Шуди бор йигит. Унинг ҳеч нарсага шуди йўқ.* ▬ [*Султонмурод*] *Бир йил ичидаёқ чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириб қўйди. Йигитга, шуд бўлса, ўргатишга ҳожат қолмайди.* Газетадан.

ШУДГОР [*ф.* شدكار – ҳайдалиб экин экилган ер] **1** Ҳайдалган, чопилган ер. *-Картани бешга бўлиб ташладик, – деди Тиллаев шудгорни қўли билан кўрсатиб.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Ноз уйқудан уйғониб, оқ олтинини эслаб, Кўк сабза кийиб, шудгору саҳро безанибдур.* Ҳабибий.

2 Ҳайдаш, шудгорлаш. *Кузги шудгор.* ▬ *Чала қолган далада шудгор..* Ҳ. Даврон. *-Энди бизга жавоб, – қўзғалди раис, – шудгор кечикди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Шудгор қилмоқ Шудгор ҳолига келтирмоқ; шудгорламоқ. *..ерларни ғўзапоядан тозалаб, шудгор қилиб қўйгандан кейингина уй-рўзғор ишларига қарар, тўй-кўпкариларга борарди.* С. Нуров, Нарвон.

ШУДГОРЛАМОҚ Экин майдонини, далани ҳайдаб, чопиб қўймоқ; шудгор қилмоқ. *Ўтган йили режани олдин уддалаб, дарров ерни шудгорлаб қўйдик.* Газетадан. *Куз бўлгани учун, далаларда фақат шудгорлаш билан банд бўлган тракторчилар қолган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ШУДЛИ Қўлидан иш келадиган; уддабуро, эпли. *Шудли йигит.* ▬ *Баъзи ўтли-шудли студентлар эса уни «писмиқ» дейишарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўғилларнинг иккови ҳам шудли йигит бўляпти.* Т. Малик, Ажаб дунё.

ШУДРИНГ *айн.* **шабнам**. *Эртасига офтоб ғўё тонг шудрингида ювиниб, кечаги чангтўзондан тозаланиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Баргларга шудринг инган, Ҳаво қимиздай тинган.* С. Акбарий.

ШУДСИЗ Қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган; нўноқ, ношуд. *Шудсиз одам.*

ШУЙТИБ шв. Шундай қилиб. *Шуйтиб, сен ҳам ботир бўлган, Сендай аҳмоқ бунда келган, Суякларинг қилай яксон, Қўрқмасанг, кел бери томон.* «Ширин билан Шакар». *Яхши шуйтиб гапни ўйлар, Ҳар гапини билиб сўйлар.* «Эрали ва Шерали».

ШУК: шук турмоқ *кам қўлл.* Жим ва ҳушёр турмоқ. *Бир қўлингиз қилич дастасида, подшо ўтирган тахтнинг орқасида уни қўриқлаб шук турасиз.* F. Fулом, Ҳасан Кайфий.

ШУКР [*а.* شكر – мақтов; миннатдор(чи)лик, ташаккур] *айн.* **шукур 1.**

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

IV жилд

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

2010.04.10 да босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70 × 100 1/16. Офсет қоғозда босилди.
66,0 нашриёт-ҳисоб табоғи. 49,4 босма табоқ.
Адади 5000 (2-гал босилиши 3001—5000). Баҳоси шартнома асосида. 10-838-буюртма.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриётининг дизайн ва компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй).

Ўз
М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

5 ЖИЛДЛИ

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ*:**

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар), Н. ТЎХЛИЕВ, Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, А. ҲОЖИЕВ

А. Мадвалиев таҳрири остида

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

БЕШИНЧИ ЖИЛД

Шукрона – Ҳ

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти

81.2Ўзб-4

**"ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ"
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ**

Директор − Н.Тўхлиев.

Директорнинг биринчи ўринбосари − Д.А.Шораҳмедов.

Директор ўринбосарлари − М.Н.Аминов, А. Ниёзов.

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти − А. Мадвалиев (мудир), Ҳ. Абдиев, Р. Қиличев (етакчи илмий муҳаррирлар).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими − И.Р.Ҳодиев (бошлиқ), А. Бурхонов (бош рассом), М. Олимов (етакчи техник муҳаррир), А. Ёқубжонов (етакчи илмий программист), Д. Ҳасанова (саҳифаловчи-оператор).

Ў 16 **Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. Шукрона−Ҳ/ Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.-592 б.

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

ББК 81.2Ўзб-4

Ў $\frac{70105-071}{358-2008}$

ISBN 978−9943−07−051−6

© "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Ш

ШУКРОНА [*а.* + *ф.* شکرانه – миннатдор(чи)лик, ташаккур; раҳмат айтиш] Қаноат ва мамнунлик, шукур қилиш ифодаси. *Эртасига кампир бу севинч-қувончларнинг шукронасига хотин-халажни йиғиб, мушкулкушод ўқиттирди.* Ғайратий, Довдириш. *Кўнглингда икки унсур ҳукмрон экан: бири – тақдири азал шукронаси, бири – қасди жон.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШУКРОНАЛИК Шукур қилиш, қаноатли ва мамнун ҳолат. *Ҳаёт шохлар орасида нигорон бўлиб ўтирган ёрини кўрди-ю, қалбида оғир чўккан дардлари тарқалгандай, шукроналик билан жилмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Оқила ва фозила аёлларнинг барчасида ажиб тароват, бахтидан шукроналик.. сезилиб туради.* Газетадан.

ШУКУР [*а.* شکور – «шукр» с. нинг кўпл.] **1** *унд. с.* Мамнунлик, қаноат ҳиссини билдиради. *Шунга ҳам шукур. -Соғлигингиз қалай? -Шукур, яхши!* ▬ *Бор эканмиз, минг марта шукур.. дея она ёйди дастурхон.* Ҳ. Пўлат.

Шукур қилмоқ Мамнун ва қаноатда бўлмоқ. [*Ҳожиона*:] *Қизим.. Ҳожионадай тақводор, меҳрибон, бадавлат хотинга келин бўлиш ҳар қандай қизнинг бахтига учрамайди. Шукур қил, болам!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бундай одам ҳар қандай шароитда ҳам шукур қилиб яшайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Шукур (эркаклар исми).

ШУКУҲ [*ф.* شکوه – улуғ(вор)лик, дабдабалилик, тантанаворлик; шавкат, савлат] *кт.* Тантана; улуғворлик; салобат. *Ҳар бир жойда байрам шукуҳи.* ▬ *Моҳира пазанда, чаққон, саранжомли, режали келин эди. Унинг қутлуғ қадами билан Исоқ ота вақтидаги оиласининг эски шукуҳи қайтиб келгандай бўлди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Ўттиз икки баҳор ўтди гулга кўмиб ўлкани, Ҳар бирида минг баҳорнинг шукуҳи бор, ҳусни бор.* Уйғун. *Кўз илғамас уфқ ҳам.. дала-қир ҳам бугун* [*Латофатнинг*] *назарида тамоман ўзга шукуҳ, ўзгача бир нафосат кашф этгандек эди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ШУКУҲЛИ Шукуҳга эга, тантанавор, улуғвор; завқ-шавқ бағишловчи. *Ҳа, шукуҳли, руҳли баҳслар Худди қалбим қадар азизлар.* М. Шайхзода. *Нақадар шукуҳли дала йўллари.. яхлит-яхлит пахта пайкалларида тўп-тўп йигит-қизлар, ёш-яланг, хотин-халаж.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

ШУЛ *эск. кт. айн.* **шу**. *Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.* Муқимий. ▬ *-Адолатингиздан бизнинг талабимиз шул! – деди* [*Отабек*] *ва қўрбошига қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШУЛОН Камбағал, бева-бечораларга тарқатиладиган иссиқ овқат. *Шулон шўрва. Шулон пиширмоқ. Шулон тарқатмоқ.* ▬ *Қорин кўп оч, На гўжа бор, шулон шўрва Ва на умоч.* Ғ. Ғулом. *Азимбой ҳам масжид қурдиргач, Гадоларга тарқатар шулон.* М. Али.

ШУЛХА *с.т.* Шелуха. *Сигирга шулха бермоқ. Шулхани қопламоқ.* ▬ *Ҳаммага маълумки, пахтадан турли-туман газлама, ёғ.. шулха олинади.* Газетадан.

ШУМ [*а.* شؤم – бахтсизлик, мусибат; бало, офат] **1** Ёмон фикрдаги; нияти бузуқ; ёмон, ярамас. *Кеча шом вақтида бизникига*

иккита шум йигит келди. Танийман. Хўжайин ҳалигиларни меҳмонхонага киргизиб, эшикларни тақа-тақ ёпди. Ойбек, Танланган асарлар *Ҳушёр туриб, адашмай, Ҳар шарпани сезаман. Душман қаршилик қилса, Шум бошини эзаман.* Уйғун. [*Гуландом*:] *Негаки, шумларнинг қўлига тушиб, не балоларга гирифтор бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бахтсизлик ёки ҳалокат келтирувчи, бахтсизликка дучор қилувчи. *Шум бўрондан чайқалди денгиз, Кўк ҳам аста томчи ташлади.* Э. Қамбаров. [*Хосият*:] *Эрларни қаърига тортди шум уруш, Эрларсиз уй файзи тамом йўқолди.* Г. Жўраева.

Шум хабар Кишини ғоят хафа қиладиган, жуда қайғули хабар. *Собиржон бу аҳволни кўрган кўзларига, бу шум хабарни эшитган қулоқларига сира ишонгиси келмасди.* С. Шамсиев, Сепсиз келин.

3 Кўлидан ҳар қандай ёмонлик келадиган; айёр, маккор, қув, қилвир. *Шум кампир.* ▬ *-Ҳа, бу жуда пихи қайрилган шум халфа, — деди Давлатёр ва Турдивой халфанинг кирдикорини гапириб берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Султонов жуда ҳушёр ва шум эдики, шамол қай томондан келаётганини дарҳол билиб, вазиятга қараб товланарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Ярамас қилиқлар қиладиган, ўта шўх, тўполончи. *Ҳалиги шум йигит: жуда гап тополмасанг, бармоғингни мана бундай бигиз қил-да, «кўзингизга қўлимни тиқиб олайми?» дегин, кейин қиз кулиб юборади [деди].* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШУМЛИК 1 Шум кишига хос иш, хатти-ҳаракат, қилиқ. *Қўқондаги бир мактабда турк афандидан таълим кўриб, ўша афандидан анчагина шумликларни ўрганган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўрток Умурзоқова, кўриб турибманки, сиз ҳам шумлик қилаётирсиз, марҳамат, жавоб беринг, нима мақсад билан келдингиз?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бу саҳройи болалар шумликни билмайди. Ўргатиб-ўргатиб, ишга сола берасиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёмонлик, қайғу-кулфат келтирувчи нарса. *Унинг чарчоғи ҳам, уйқуси ҳам қочган, кўнгли бир шумликни сезгандай, кекса, ҳорғин юзини бетоқатлик кўланкаси қоплаган эди.* А. Мухтор, Чинор.

ШУМОЁҚ Пойқадами бирор шикастликка, ёмонликка сабаб бўлувчи, фалокат, бахтсизлик келтирувчи. *Гул, райҳонга тўлган қирғоғинг Шумоёқлар макони бўлди. Фашист деган одамхўр жаллод Соҳилингдан жой олди, тўлди.* Ғайратий.

ШУМТАКА *с.т.* Ниҳоятда шўх, тўполончи бола. *Ҳозир тўполон кўтаришади, миямни қоқиб, қўлимга беришади бу шумтакалар, эплаб бўлармиди уларни.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Қадимнинг одатига мувофиқ, ҳар икки томоннинг шумтака болалари кўчада бир-бирларини қорга думалатиб, бир нафас муштлашиб олдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШУМТОЛ Ёғочи қаттиқ, барги патга ўхшаш дарахт. *Ўрмон зоналарида чинор, заранг, шумтол, оқ қайин, дўлана учрайди.* Газетадан.

ШУМУРТ Гули оқ, хушбўй бутасимон дарахт ва унинг қора, нордон меваси. *Шумуртнинг гуллари оқ, баъзан пушти рангга эга бўлади.* Газетадан.

ШУМШАЙМОҚ 1 Бўшашган, жунжиккан, эзгин ҳолатда бўлмоқ. *Ичкари ҳовлида кекса Меъмор атрофида қизи ва хотини шумшайиб ўтиришарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. [*Мингбошининг*] *Ҳамма вақт шосупада талтайиб ўтирадиган йўғон гавдаси мана энди кичрайди, нортуядек новча бўйи пасайди, ўзи эса совуқда қолган етим боладек шумшайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Степан болани кўтариб, тепага чиққанда, ярим яланғоч, шалаббо, совуқдан шумшайган, ҳолдан тойган одамларни кўрди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Бирор нарсадан хафа бўлиб, қовоғини солмоқ, тўрсаймоқ; уялиб тортинган ҳолатда бўлмоқ. *Давронов рўпарада шумшайиб турган Ғозига қараб, унинг кўнглидаги безовталикни сезди.* И. Раҳим, Ихлос. *Дастлаб ўзини айбдор сезиб, шумшайиб ўтирган бола секин-секин тетикланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ШУМШУК 1 Қилмиши, ёмон хатти-ҳаракати билан кишига хунук кўриниб қолган, ёқимсиз ҳолатга тушган; ёқимсиз. *Мендан ҳеч ким хабар олмай қўйди. Ҳаммага шумшук кўриниб қолдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Вали бултур чўлдан берухсат жўнагани, тўғрироғи, қочворгани маълум бўлгач, таниш-билишлари олдида шумшук бўлиб, ўз*

районига сиғмай қолган. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Тўнсиз карахт бўлиб келган Муқимий қайнана кўзига жуда шумшук кўринган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Шундай ҳолатга нисбатли ҳақоратни билдиради. *-Э, шумшук, «Домла-имом оч қолса, бозор кезади, сўфи оч қолса, мозор кезади», деган мақолни эшитганмисан? — деди мулла Мамасолиҳ Ҳудҳуд сўфига.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

ШУМШУКЛИК Шумшук ҳолат. *Онасиз етим — шум етим, деганларидек, Умид шумшуклик ҳақоратини ўбдон [обдан] тотган етим эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ШУМҚАДАМ *айн.* **шумоёқ**. *-Бир марта шаҳардан сизга ўхшаган бир йигит келиб, қишлоқдаги шумқадамларни тўплаб, мажлис қилган эди, — деди мингбоши.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ШУМҒИЯ 1 *бот.* Бошқа экинлар илдизидан озиқланадиган текинхўр ёввойи ўт. *Дўстим, нафсни ўз ҳолига қўяверсанг, худди шумғияга ўхшаб, тез ўсиб кетар экан.* «Муштум». *Тухуминг қуригур шумғия қовун-тарвузнинг заволи!* Н. Сафаров, Наврўз.

2 *кўчма* Ўз манфаатини кўзлаб, ўзгалар ҳисобига яшовчи шахс; зараркунанда. *Йўлимиздаги ғовларни ҳам илдиз олишига имкон бермай, ўз ўрнида юлиб ташлайлик! Шундагина дилимиз кўзлаган порлоқ манзилга шумғияларсиз етиб борамиз.* Газетадан.

ШУНАҚА *с.т.* Шундай. *Шунақа гаплар. Шунақа вақтда.* ▬ *Киприк ҳам шунақа узун бўладими?* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Шунақа, Тўлаган ака, душман отган тошдан жигар отган увада қаттиқ тегади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ШУНАҚАНГИ *с.т.* **1** Шу каби; шундай. *Қишлоқда шунақанги чиройли қизлар кўп.* ▬ *Бўйи етган қизлар йигитнниг мана шунақанги мардини ёқтиради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Маънони кучайтиради; шу даражада, жуда. *У шахматга шунақанги муккасидан кетганки, агар Фарғонада бу ўйинга жонини тикадиган одам иккита бўлса, шунинг биттаси Аҳмаджонов.* «Гулдаста».

ШУНАҚАСИ *с.т.* **1** Шунга ўхшаган, мана шу каби; шундай. *Қаламнинг шунақаси топиладими?*

2 Ўша йўлдан, ўша томондан; йўл-йўлақай. *Шунақаси уйга кетамиз. Шунақаси магазинга ҳам кирдик.*

3 Шу тариқа, шу йўсинда. *Сорахон шу куни кечқурун ҳам чиқмади ва шунақаси уч кун йўқ бўлиб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ШУНГ *айн.* **шумтол**. *Шунг барги.*

ШУНДАЙ 1 *кўрс. олм.* Худди айтилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагига ўхшаш, шунга ўхшаш, шу сингари. *Шундай дўст қаерда бор? Шундай вақт келади. Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди. Мен ҳам ёшлигимда шундай эдим. Қаламнинг шундайларидан учтасини танлаб олдим.* ▬ *-Қалай? — деди Сулаймонов трубкани қўйиб, — умрингизда шундай қаймоқ еганмисиз?* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. *Унда [Ғуломжонда] шундай нафратнинг туғилиши табиий эди.* М. Исмолий, Фарғона т.о. *Бу ишлар ичида шундайлари ҳам борки, шошилинч қилинмаса, бошқа ишга ҳам таъсир қилиши тайин эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Маънони кучайтиради; шу қадар, шу даражада; шунақанги. *У шундай тез юрар эдики.. У ҳеч қачон шундай аҳволга тушмаган эди.* ▬ *Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўғинлари бўртиб турган узун бармоқларини тугун қилиб, пиджагининг чўнтагига шундай қаттиқ тиқдики, чоклари чирсилаб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 *рвш.* Айтилган ёки кўзда тутилган бир тартибда, шу зайлда, ана шу тарзда. *Хўжаликни шундай бошқариш керак. Сиз ҳам шундай ишласангиз бўлмайдими?* ▬ *Ҳакимбойваччадек ҳушёр йигит қайда?.. Боёнларимизнинг бари ҳушёр. Ақли бўлгани учун бой бўлган-да. Шундай эмасми, Салимжон?* Ойбек, Танланган асарлар. *Шундай қилиб, ёз ҳам ўтди. Ниҳоят, Аҳмаджон аскарий хизматга чақирилди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Шундай бўлса ҳам Шунга қарамай. *У касал эди, шундай бўлса ҳам, ишга келди.*

4 Қуйидагича, тубандагича. *Бу хотин тўғрисида мулла Норқўзи шундай фикрда: агар фаришта илгари ўтган бўлса — шунинг онаси, энди туғилса — шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида бўлса — шу хотиннинг ўзи.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

5 *рвш. с.т.* Одатдаги каби, одатдаги сингари, одатдагидек; оддий усулда. *Ўзимиз шундай гаплашиб ўтирган эдик.* ▬ *Вагондан энг кейин тушган ва милтиғини тиғидан ушлаб, кетмондай елкасига қўйиб, шошмасдан келаётган Аҳмаджон: Строй [саф] бўлмасдан,*

шундай кетаверсак бўлмасмикан? — деди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

6 Тасдиқловчи жавобни билдиради; ҳа, тўғри. *-Врачмисиз? -Шундай.* ▬ [*Эшон:*] *Катталарни-чи, катталарни ҳам ўқитасизми? — Шундай, — деб жавоб берди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 *кўм. взф.* Таъкид, кучайтирув ифодалайди; худди, нақ. *Ишхонамиз театр биносининг шундай рўпарасида.*

ШУНДАЙИН *шв.* Шундай. *Ўлжа бўлиб кетди шундайин тулпор, Учар қушдан ўтар эди жониворр.* «Муродхон».

ШУНДАЙИЧА Қандай бўлса, худди ўша ҳолатда, ўзгармасдан, ўзгартирилмасдан. *Аҳмаджон бир сакраб,* [*фашистни*] *бўйнидан сиқиб олди ва шундайича судраб, пастга олиб тушди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ШУНДАЙЛИГИЧА *айн.* **шундайича**.

ШУНДОҚ *с.т.* Шундай. *Шундоқ қилиш керак.* ▬ *Қанақа уруш бўляпти ўзи? Қачонгача шундоқ давом этади?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Шундоқ, устоз, сиз қўяверинг, — деди Заврак.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўша хотинбознинг шундоқ шармандасини чиқарайки!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Болохонанинг шундоқ остида, ариқ бўйида бувиси чўнқайиб ўтирарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ШУНИНГДЕК 1 Шунга ўхшаш, шу каби, шу сингари. *Халқ шунингдек гаплар билан юз ёқдан.. ҳужум қилиб, ҳатто адабсиз сўзлар билан ҳам сўкар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *мод. с.* Бундан ташқари, бунинг устига, шу билан бир қаторда. *У довюрак, шунингдек, билимдан киши эди.* ▬ *-Шунингдек, раис мажлисни олиб боришда ҳам кўпчиликка ҳурматсизлик қилди.. — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШУНЧА 1 *рвш.* Шу қадар, шунчалик, шу даражада. *Шариат, хотинни қаттиқ тутиш керак, дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча ғафлатда қолишингизни пойлайди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Ватан агар бўлса бир чаман, Сиз қўйнида хандон ғунчалар; Ай, сиз, менинг кичик дўстларим, Ватанингиз севар шунчалар.* З. Диёр.

2 *белг. олм.* Ноаниқ миқдорга ишора қилади; шу миқдорда. *Бир зумда шунча одам йиғилди. Дарров шунча йил ўтиб кетибди. Шунча ўйласам ҳам, эсимга келмади. Шунча вақтдан буён қаерда эдинг?* ▬ -[*Ғофир:*] *Шунча қарзим бор эканми? Мен буни қандай узаман, бой ота?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ажаб, шунча невараси борми кампирнинг?* «Гулдаста». *Суюкли бўлсам, шунча балоларга гирифтор этиб, кўча-кўйда саргардон қилиб қўярмиди..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кор қилмади шунча илм, этди қанча саргардон.* А. Орипов.

ШУНЧАЙИКИ *с.т.* Шунчаки. *Саидий гарчи бу сўроқни шунчайики берган бўлса ҳам, Муҳаммадражабнинг жавобидан қаноатланмади.* А. Қаҳҳор. Сароб.

ШУНЧАЙИН *с.т.* Шунчаки. *Мабодо Бобур шаҳарга қўшинсиз, шунчайин пойтахтни кўриш учун кирадиган бўлса, Бойсунқур мирзо уни туттириб, йўқ қилиб юбориши мумкин эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ШУНЧАКИ 1 *рвш.* Жиддий мақсад билан эмас. *У фотография билан шунчаки шуғулланади.* ▬ *Хафа бўлманг тағин, шунчаки айтаётирман-да.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Омон мени эски кеки юзасидан алдаган экан, мен уни шунчаки қизиқчилик қилиб алдаган эдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Катта аҳамиятга эга бўлмаган; арзимас, оддий. *Шунчаки гап. У шунчаки бир ашулачи эди.* ▬ *Улар шунчаки актёргина эмас, балки.. вазият талаб қилса, душман билан юзма-юз олишадиган жангчи ҳам эдилар.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Улар шунчаки одамлар эмас, қасд қилиб, изингиздан тушган одамлар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ШУНЧАЛИК 1 Шу қадар, шу даражада; шунча. *Ўзбек ойим набира масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик хафа.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Асқар ота аввал қўрқди, кейин, жувоннинг от чопишини кўриб, шунчалик завқи келдики, отига устма-уст қамчи урганини ўзи ҳам сезмай қолди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. [*Қодирқул:*] *Ажаб одамсиз-да, домла! Битта савил бошни йўқ қилмоқ шунчалик мушкул эканми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 *айн.* **шунчаки 1, 2.** *Лекин буларни шунчалик айтиб қўйдим-да. Олдин қилинадиган бошқа иш бор.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулсум Элмуроддан хафа эмаслигини, шунчалик ўзининг хўрлиги келиб йиғлаганини билдириш учун қайтиб кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шунчалик гап экан, ўзини ҳам диққат қилиб,*

хизматчиларини ҳам ортиқ бўғмаса. С. Абдулла, Ўртоқ Холназаров.

ШУНҚОР 1 Лочинсимонлар оиласига мансуб кучли йиртқич қуш. *Икки шунқор талашса, бир қарғага ем тушар.* Мақол. ▬ *Шунқор қанча баланд учмасин, бари бир, ўз уясига қайтади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Қарчиғай, лочин, шунқор сингари кичик йиртқич қушлар майда ҳайвонларни овлашга солинган.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Мард, жасоратли, ботир шахсга нисбатан қўлланади. *Дала шунқорлари бу ерга* [*клубга*] *кино кўриш, янгиликлар билан танишиш учун тўплангалар.* Э. Охунова, Файзли оқшомлар. *Бахт деган келмайди оддий тугунда, Уни келтиради юртнинг шунқори.* Р. Бобожон. *Тез бориб, шунқорларимга айт, Бобурнинг бошини кесиб келган одамга боши баробарлик олтин бераман!* [*деди Шайбонийхон чопарга*]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ШУРУП [*нем.* Schraube – винт] Ёғоч ёки металл деталларни маҳкамлаш учун ишлатиладиган бурама мих. *Шурупни бураб киритмоқ.*

ШУРУ(Ъ) [*а.* شروع – киришиш, бошлаш]: **шуру(ъ) қилмоқ** *эск. кт.* Бирор нарсага киришмоқ; бирор нарсани қила бошламоқ. *Мулла Абдураҳмон бутун камолотини ишга қўйиб, имомат ва хатибликка шуруъ қилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ШУРФ [*нем.* Schurf] Ер ости бойликларини қидириш ёки тупроқни текшириш учун ковланган, ер юзасига чиқиш йўлига эга бўлган тик ёки қиялама қудуқ. *Ҳазратқулов трасса бўйлаб шурфлар қазилгани, эрта тонгда портлатиш бошланажагини айтди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Онахон тахта зинадан салмоқ билан юриб, котлован шурфига туша бошлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШУУР [*а.* شعور – англаш, сезиш, фаҳмлаш; кечинма, ҳис-туйғу; ақл, идрок] *кт.* Онг, тушунча. *Шоирларда зеҳн ва шуур ўткир, хаёл денгизи эса теран бўлади.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Майли, ўтмиш ўн йил менга Шуур берди, онг берди.* Ғ. Ғулом, *Мени нг шуурим эса зиддиятлар осмонида кезар.* С. Азимов, Камалак.

ШУУРИЙ [*а.* شعوری – ҳис-туйғуга, ақлидрокка оид] *кт.* Шуурга, онгга оид, онг билан боғлиқ. *Чунки мен ҳам ўзга оламларга шуурий саёҳат қиламан.* «Сирли олам».

ШУУРЛИ 1 *кт.* Маълум тушунчани ўзида мужассамлаштирган; онгли. *Ҳақиқатан ҳам Зебо шуурли, жўшқин юракли бўлиб етишди.* Р. Халилова, Ушалган орзу. *Энг иродали, мақсади аниқ кишилар.. нурли, шуурли жаҳон барпо этдилар.* Зулфия, Чўққилар.

2 *ҳуқ.* Ақли расо, эсли (ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб бера оладиган).

ШУУРСИЗ *кт.* **1** Онгсиз ҳолда, ғайришуурий. *Йигит тафаккурдан тамом ажралиб, отга шуурсиз мўлтираб турар, тўриқ эса ер тепинар эди.* А. Ҳасанов, Чироқлар. *Навоий индамасдан орқага қайтди. Бошқа хонага кириб, қоғоз ва қалам олди-да, шуурсиз равишда фармон ёза бошлади.* Ойбек, Навоий.

2 *ҳуқ.* Ақлдан озган, руҳий касал (қилган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайдиган).

ШУУРСИЗЛИК *ҳуқ.* Айбдорни жиноий масъулиятдан халос қиладиган руҳий ҳолат. *Шуурсизлик ҳолатида бўлмоқ.*

ШУ-ШУ Ўша вақтдан бери, ўшандан бери. *Шу-шу у келмайди. Шу-шу тавба қилганман. Шу-шу соғайиб кетдим.* ▬ *Шушу Раҳим Саидов қачон Қўқонга келмасин, Тераксорга келиб, битта ош қилдирмаса, кўнгли жойига тушмасди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Шу-шу мен мактабга бормай қўйдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШУЪБА [*а.* شعبه – соҳа, тармоқ; шохобча; бўлим, филиал] **1** *эск.* Бирор ташкилот ёки муассасанинг алоҳида бир қисми, бўлим; идора. *1919 йилдан бошлаб Тошкент мусулмон хотин-қизлар шуъбасига раис бўлиб ишладим.* З. Юсупова, Оловли йиллар. *Шаҳар маориф шуъбасининг вакили шу қўрани келиб кўриб, мактаб учун жуда мос, деб кетибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ер шуъбасидан тракторни ҳозирдан сўраб қўйиш керак.* Ҳ. Шамс. Душман.

2 *мус.* Шашмақом таркибига кирувчи олти мақомдаги ҳар бир бўлимнинг номи.

ШУЪЛА [*а.* شعله – олов, аланга; машъал] **1** Бирор жисмдан таралувчи нурли энергия; ёруғлик, нур. *Ой шуъласи. Хатни чироқ шуъласида ўқимоқ.* ▬ *Аммо офтобнинг ўткир шуъласи Кўксингни парчалаб ёрди беомон. Тарихнинг музаффар, нурли йўлидан*

Дадил бормоқдалар наслимиз ҳамон. Уйғун. *Шох ўтиннинг ўчоқни тўлдириб ловуллаётган ёлқини қорайган кўчага шуъла сочмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **ёлқин**. *Ҳамон машъала шуъласи кўриниб турган ҳовлидан анча узоқлашгач, бир дарахтнинг панасига ўтирдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШУЪЛАЛАНМОҚ *поэт.* Шуъла, нур таратмоқ; ярқирамоқ, барқ урмоқ. *Қаердан тушаётгани номаълум бўлган кучли нур остида бу ердаги амакиларнинг кийимлари кўз олгудек шуълаланарди.* «Ёшлик». *Шуълаланиб, шарқираб ётар Кўк сувларда ой синиқлари.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Унинг тепасида шуълаланиб, узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турадиган чироқ.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ШУҒУЛЛАНМОҚ Бирор иш билан овора бўлмоқ; машғул бўлмоқ; иш олиб бормоқ. *Гимнастика билан шуғулланмоқ. У энди мусиқа билан шуғуллана бошлади. Талабалар билан шуғулланмоқ.* ▬ *Девонга эрта билан кетиб, кеч қайтадиган отаси ўғлининг нима билан шуғулланаётганидан бехабар эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Киши иш вақтида жамият учун фойдали бўлган ижтимоий меҳнат билан шуғулланади.* «Фан ва турмуш».

ШУҲРАТ [*а.* شهرت – машҳурлик, таниқлилик; шон, довруқ] **1** Катта хизмат, талант, одамийлик ва ш.к. эвазига қозониладиган обрў; донг, довруқ. *Бу артистнинг шуҳрати оламга кетган. Донога иш – шону шуҳрат, Нодонга иш – ғаму кулфат.* Мақол. ▬ *Авлод-аждодимиз шуҳрати меҳнат, Меҳнатсиз ҳеч кимса тополмас ҳурмат.* Газетадан. *Машҳур қизиқчи халқ орасида шуҳрат қозона бошлаган ёш Юсуфжонни кўрмоқчи бўлиб, унга одам юборади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Шуҳрат (эркаклар исми).

ШУҲРАТЛАМОҚ *кам қўлл.* Шуҳрат-эътиборини қайд этмоқ, эътиборда тутмоқ, ўрнига қўймоқ. *У фуқаролар урушининг оғир кунларида халқ оммасини руҳлантириб турди.. зиёлиларнинг фронтлардаги ва фронт орқасидаги мислсиз қаҳрамонлигини шуҳратлади.* Газетадан.

ШУҲРАТЛИ Шуҳрат қозонган, шуҳрат топган. *Олтин пахта ифтихоринг, Шуҳратлидир пахтакоринг.* Ё. Мирзо. *Инсон ўз меҳнати, ўз ишлари, ўзи яратган нарсалари билан гўзал ва шуҳратлидир.* Газетадан.

ШУҲРАТПАРАСТ [*а.* + *ф.* شهرت‌پرست – шуҳрат ишқивози, шуҳрат кетидан қувадиган] Фақат ўз шон-шуҳратини ўйлайдиган ва доим шунга интиладиган. *У талантли инженер. Аммо шуҳратпараст – фақат ўзини ўйлайди.* Газетадан. *Сиз билан бизнинг вазифамиз.. иғвогар, шуҳратпараст, мансабпараст шахсларни супуриб ташлашдан иборат.* О. Ёқубов, Ларза. *Калтабин.. шуҳратпараст қўрқоқлар хиёнатга яқин туради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ШУҲРАТПАРАСТЛИК Шуҳратпарастга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Мени безовта қилаётган нарса сизнинг шуҳратингиз эмас, балки шуҳратпарастлигингиз.* Уйғун, Сўнгги пушаймон. *Дарҳақиқат, бир қарашда иноқ, дўсара кўринган Қавомнинг мижозида шуҳратпарастлик унсурлари йўқ эмасди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ШЧИ [*р.* щи – карам ва турли ошкўклар солинган шўрва] Карам, шовул каби кўкатлар солиб пишириладиган шўрва. *Шчи пиширмоқ. Шчи ичмоқ.*

ШЧИТ [*р.* щит – тепа; тўсиқ, ғов; ҳимоя, бошпана] **1** Бирор зарба, ўқ, учқун ва ш.к. дан сақланиш учун металлдан қилинган ёки бирор қуролга ўрнатилган тўсиқ; ҳимоя қалқони. *Замбарак шчити.* ▬ *Аҳмаджон пулемётнинг қабзасини маҳкам ушлаган ҳолда, шчитнинг тешигидан душманни кузатар, афтидан, шеригининг сўзини эшитмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Эгнига комбинезон кийиб, қўлига электросварка шчитини ушлаб турган* [*Самад аканинг*] *юзи менга жуда таниш эди.* С. Аҳмад, Иқбол чироқлари.

2 *тех.* Гидротехника иншоотларида: тўғоннинг сув ўтказадиган, сурилиб очиладиган ёки ёпиладиган темир дарвозаси. *Энергетика ва автоматика институти ходимлари.. каналлардаги сув сатҳи ва ўтаётган сув миқдорини, ичит ва затворларнинг ҳолатини автоматик аниқловчи.. асбоблар яратди.* Газетадан.

3 Намойиш қилиш учун бирор экспонат ўрнатилган ёки сурат солинган катта юпқа тахта. *Ёш ишчилар.. газета саҳифаси тасвирланган катта шчитни кўтариб олишган.* Газетадан.

4 *махс.* Бирор асбоб ёки нарса ўрнатилган тахта. *Электр счётчигининг шчити. Ўт ўчирувчи асбоблар шчити.*

ШЎЛП *тақл. с.* Оғир нарса суюқликка тушганда, шунингдек, сув қирғоққа ёки бошқа нарсага урилганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Водийни иккига бўлиб ўтган катта сой шовуллар, қирғоққа шўлп-шўлп урилиши эшитилиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

Шўлп этмоқ «Шўлп» деган товуш чиқармоқ. *Боланинг қўлидаги тош шўлп этиб, сувга тушиб кетди.* ▬ *Бу лаънати каламушлар бочкага шўлп этиб тушади-да, ёққа беланиб олади.* С. Маҳкамов, Шогирд.

ШЎЛТИ-ШЎРВА *с.т.* Шўрва-шўлти. *Яхшики Исоқ отанинг боғи бор. Ёзда ўрик-узумга оғизлари тегиб туради. Бўлмаса, шўлти-шўрва билан оёқ чўзиш мумкин.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ШЎЛҚ *тақл. с.* Суюқлик ёпиқ идиш ичида чайқалганда ҳосил бўладиган товушни билдиради.

ШЎЛҚИЛЛАМОҚ «Шўлқ-шўлқ» қилмоқ.

ШЎНҒИМОҚ 1 Сув ёки бошқа бир суюқлик ичига кириб ботиб кетмоқ; чўммоқ. *Бир шўнғиб чиқмоқ. Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам кети билан шўнғийди.* Мақол. ▬ *Сувонжон тол тагидаги камарга шўнғиб.. кетарди-да, анчадан кейин қўлида балиқ билан чиқиб келарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ундаги* [*ҳовуздаги*] *зоғора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб, ташланган нонларни ер, гоҳ билтанглаб ўйнаб, шўнғиб кетарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Бирор нарса орасига кириб, беркиниб, кўздан ғойиб бўлмоқ, кўринмай кетмоқ, кириб кетмоқ; яширинмоқ. *Қоронғиликка шўнғимоқ.* ▬ *Бўрон ва тўс-тўполонда заха еган ой.. орқадан етиб келган туядек каттакон булут тагига шўнғиди.* О. Ёқубов, Ларза. *Аҳмад Ҳусайн.. бозорга шўнғиб кетди.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Катта тезлик билан пастга қараб отилмоқ, ниҳоятда тезлик билан ерга томон учмоқ. *Бургут бирдан пастга қараб шўнғиди.* ▬ *Самолётлар қора бўрондай тепада гир айланиб, ажалкор қоида ва тартиб билан шўнғийдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 *кўчма* Ўй, хаёл, қайғу каби ҳиссиётларга қаттиқ берилмоқ, чўммоқ. *Шу чоққача мўлтайиб, хаёл ичига шўнғиб ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўзимча неча хил нарсаларни бичиб-тўқийман, аллақандай ваҳималарга шўнғийман.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

5 *кўчма* Иш-ҳаракатга, машғулотга қаттиқ киришиб кетмоқ, берилмоқ. *Ҳакимжон ҳеч кимнинг сўзи, таклифини кутиб турмасдан, аввалгидек ишга шўнғиди-кетди.* С. Зуннунова, Олов. *Ўртага чамадон қўйиб, ўйинга шўнғиб кетдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ШЎП *айн.* **шўлп**. *Шўп этиб сувга тушмоқ.*

ШЎППАЙМОҚ Бошқалардан ажралиб ёлғиз қолмоқ; мунғаймоқ; ўксиб қолмоқ, шумшаймоқ. *Шўппайиб ўтирмоқ.* ▬ *Эртага, икки қўлингизни, кечирасиз, бурнингизга тиқиб, участкада битта ўзингиз шўппайиб қолсангиз, нима қиласиз?* А. Мухтор, Туғилиш. *Бирга ўқишган синфдошлари аллақачон жой-жойларини топишган эди. Қишлоқда ёлғиз Тошхонгина шўппайиб қолди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Етти бола туққанман. Ҳаммасини тупроққа бериб, биргина қизим билан шўппайиб қолганман.* С. Аҳмад, Чевара.

ШЎР I [*ф.* شور – тузли, тузи кўп] **1** Меъёридан ортиқ туз солинган, таъми ўткир (овқат, таом ҳақида). *Шўр овқат. Паловни шўр қилиб қўймоқ. Аччиқ-чучукни шўр қилиб юбормоқ.* ▬ [*Қодиржон:*] *Ҳали ош вақтида, ошнинг тузини паст қилиб қўйибсан ёки шўр қилиб қўйибсан, деб баҳона қиламан-да, катта жанжал чиқараман.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 Тузланган. *Шўр балиқ. Шўр карам.*

3 Таркибида туз моддаси кўп бўлган, шўр босган. *Шўр денгиз. Шўр кўл. Шўр тупроқ. Шўр сув.* ▬ *Айниқса, эрта баҳорда бороналаш шўр ерларда катта фойда беради.* Газетадан.

4 *от* Тупроқ таркибида тузнинг кўплигидан ер бетида ҳосил бўлган туз моддаси. *Ернинг шўрини ювмоқ.* ▬ *Ерда ҳали шўр кўп. Сотиболди отам ҳам менинг фикримни тасдиқлаяптилар.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Ўрмонжон.. шўр босган ердан илон изи бўлиб ўтиб, тўқайга кириб кетган тупроқтепани қамчининг сопи билан кўрсатиб: -Канал! – деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Тернинг уст-бошга тепишидан кийимда ҳосил бўладиган туз, оқ доғ. *Эртаю кеч тош майдалаб.. елкаларини бир эллик шўр босган йигитлар* [*дарвишга*:] *«Йўлингдан қолма!» дейишибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *От йўрттириб Юсуф Мадёров келиб қолди. У ҳамон темирйўлчи кийимида — эгнида қора китель, тер(и)нинг шўри елкасида оқариб ётарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Шўр пахта Халқ табобатида: оғриқни ёки шишни қайтариш учун намакобга ботириб ишлатиладиган пахта. *Уч-тўрт [марта] оёғимга шўр пахта боғлаб, уйда ётдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШЎР II [*ф.* شور — изтироб, ғалаён; туғён, жўшқинлик, эҳтирос] **1** *фольк.* Толеи паст, бахтсиз, бечора; шўрлик. *Қози, муфти — бари бойнинг чокари, Камбағал шўр азалдан хизматкори.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Илоҳим, қурисин подшонинг иши, Кўп бўлдику мендай шўрнинг койиши.* «Ширин билан Шакар».

2 Азоб-уқубат, кулфат; бахтсизлик. *Худо бандасини яратганда, пешонасига чоракор бўласан, деб ёзмасин.. Э-ҳа, камбағалнинг шўрини асти сўраманг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўйласам, ҳар дам ҳамият ўти дилда мавж урар, Солгали душман бошига шўру савдо бораман.* Ҳабибий. *Хоним, тургин шу ваъдада ҳақиқат. Турмасанг, солурман шўру қиёмат.* Ислом шоир.

Вой шўрим *с.т.* «Энди нима қиламан», «Бу қандай кулфат» каби маъноларни ифодалайди. *Вой шўрим, қўлингга нима қилди?* С. Зуннунова, Гулхан. **Пешонаси шўр** Қисмати ёмон, иқболи паст, бахтсиз. *Отасининг аччиқ ҳикоясини эшитган Полвон билан Бекжон ўз пешоналарининг шўр эканига ачиндилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Шўри қуриди** Бахтсизликка йўлиқди, хароб бўлди. *Ҳеч ким унинг сўзини қайтармади, қайтара олмайди-да. Нега десангиз, ким унинг айтганини қилмаса, шўри қурийди деяверинг.* А. Муҳиддин, Характеристика. **Шўри қурсин** Аҳволига вой, ҳоли хароб. -*Улуснинг шўри қурсин! — деди Тоҳир. — Касофат подшолар урушмай туролмаса.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Шўрига шўрва тўкилмоқ** Бахтсизликка йўлиқмоқ, иши, аҳволи ёмон бўлмоқ. -*Сиз қаерда бўлсангиз, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Офтобда шерикчиликда қатиқ ичган одамлар охиригача бирга бўлиши керак. Бўлмаса, шўримизга шўрва тўкилади, — деди Одил Эгамбердига.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Шўринг қурғур** Бечора, шўрлик. [*Ғофир домлага*:] *Ахир бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар кимга дод деймиз? Кимга?!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Шўрини қуритмоқ** Бахтсизликка дучор қилмоқ, хароб ёки расво қилмоқ. *Бир сартарош йигит ўзини, муаллимман, фалон мактабда дарс бераман, деб гулдек Кариманинг шўрини қуритгани ҳақиқат-ку!* Мирмуҳсин, Умид.

ШЎРА I [*ф.* شوره — шўр ер, захоб ер] Ташландиқ ерларда, экин майдонларида ғовлаб ўсадиган, баргларининг усти ялтироқ, ости кулранг ёввойи ўт. *Ариқнинг нариги ёнида какра, супурги, шўра, сассиқкапа, яна аллақандай ёввойи ўтлар ғовлаб ётарди.* А. Мухтор, Опа-сингилар. *Эрта баҳор.. Ёрқиной кўк териб юрибди. Қўлидаги сирланган тоғорани у ердан бу ерга сурар, у ён-бу ёнига эланиб, отқулоқ, исмалоқ, жағжағ, момақаймоқ, ялпиз, шўра қидирарди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШЎРА II Токнинг (узумнинг) тўпгули, ғунчаси. *Токлар шўра чиқариб қолибди.* ▬ *Биринчи хомтокни ток новдаларида шўра пайдо бўлишига қараб, апрель ойининг охирида.. ўтказиш маъқул.* М. Собиров, Хомток.

ШЎРАЖРИҚ Шўр ерларда ўсадиган, бошоқлиларга мансуб кўп йиллик ўсимлик.

ШЎРАЗОР [*ф.* شورەزار — шўр ер, шўрланган тупроқ] Шўра кўп ўсадиган ер, шўра билан қопланган майдон. *Бу ер илгари ташландиқ шўразор эди.* ▬ *Маст учун гулзор билан шўразор баравар — янчиб ўтаверади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Униб гуллар, Ҳабибий, шўразор айланди гулзора, Жаҳонга бўлди ўрнак шавкату шоним каналлардан.* Ҳабибий.

ШЎРАК I [*ф.* شورک] **1** Тузли, шўр.

2 Баъзи овқат номларини билдирувчи қўшма сўзлар таркибида ишлатилади, мас., *нўхатшўрак.*

ШЎРАК II *айн.* **қамғоқ**.

ШЎРАЛАМОҚ I **1** Пўст ташламоқ, қуруқшамоқ (баданда, юз-кўзда ҳосил бўладиган енгил тери касаллиги ҳақида.) *Кичкинтойингизнинг юзи шўралаб ёки қуруқлашиб кетмасин десангиз, унинг юзини совун билан кўп ювманг.* Газетадан.

2 *айн.* **шўрламоқ 1**. *Боланинг аъзойи бадани шўралаб кетибди.* ▬ *Пастдаги икки хонанинг ғиштлари захкашликдан шўралаб, оқариб кетган.* Мирмуҳсин, Умид. [*Рўзимат отанинг*] *Бор бисотидаги битта чопонининг ҳам бари йиртиқ, дўпписининг жияги шўралаб кетган эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

3 *с.т.* Шўра ўсимлиги билан қопланмоқ, шўразорга айланмоқ (ер ҳақида). *Қаровсиз қолган дала шўралаб кетади.*

ШЎРАЛАМОҚ II Гуллаш олдидан шўра, ғунча ҳосил қилмоқ, шўра чиқармоқ (ток ҳақида). *Токлар зангидан баргигача шовул-шовул шўралапти, ўриклар-чи, шохи ғўралапти.. Боғ меваси олган билан одош бўлмапти.* Ё. Шукуров, Уч савол. *Током шўралади, занги сув очиб, Барглар қўлтиғида инғичка новда.* С. Акбарий.

ШЎРВА [*ф.* شوربا / شوروا – гуруч, гўштли суюқ овқат; мастава] Гўшт, пиёз, картошка ва б. сабзавотлар солиб пишириладиган суюқ овқат. *Қайнатма шўрва. Қовурма шўрва. Товуқ шўрва. Шўрва пиширмоқ. Шўрва ичмоқ. Эти – этга, шўрваси – бетга.* Мақол. ▬ *Дастурхон устидаги косалардан иссиқ ва ёғлиқ шўрваларнинг ҳовури чиқиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *-Ҳозир сизларга қулинг ўргилсин қайнатма товуқ шўрва қилиб бераман, – деди Аҳмад.* Ф. Мусажонов, Меҳмонда. *Бизникилар: «Карам шўрва ичмаймиз, тўнғиз гўшти солади», дейишган эди, гўшт-ёғни ҳам ўз қўлимизга берадиган бўлишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Арзоннинг шўрваси татимас *қ.* **татимоқ 2**. **Пул бўлса, чангалда шўрва** Пул, бойлик етарли бўлса, ҳар қандай нарсага эришиш мумкин, деган маънони ифодаловчи мақол. **Шўрига шўрва тўкилмоқ** *қ.* **шўр 2.**

ШЎРВА-ШЎЛТИ Ёвғон суюқ овқатларнинг умумий номи (фақирона овқат ҳақида). *Энг бемаза, энг арзон шўрва-шўлтини қайнатиш учун ҳам игна билан қудуқ қазиш керак бўлар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШЎРДАНАК [шўр I + данак] Намакобга солиб олиб, кулга ўхшаш махсус тупроқда қовуриб тайёрланадиган данак. *Султон қоғоз халтани тўлдириб харажат қилди: қайноқ патир, шўрданак, ҳолва.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *[Ўрикнинг] Мағзидан ҳолва қилиш, намакобга солиб олиш, пўчоғи билан қовуриб, самарқандча шўрданак тайёрлаш мумкин.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Самарқанднинг шўрданаги, нўхатини ҳам Дунё кезиб тополмайсиз, сўзим чин, иним.* Н. Назруллаев.

ШЎРИ(Й)ДА [*ф.* شوریده – ҳаяжонланган, бесаранжом; жўшқин, эҳтиросли ошиқ; қўзғолон кўтарган] *эск. кт.* Бечора, шўрлик. *Булбули шўрийдани ҳуснинг кўрарга этма зор, Дилни берганман сенга, рухсори олингни кўриб.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳар қайда ғарибу нотавону Шўрийдага меҳрибон Муқимий.* С. Абдулла.

ШЎРИШ [*ф.* شورش – тузи кўплик, шўрланганлик; туғён, ҳаяжон; қўзғолон, исён] **1** *қ.* **савдо** II. *Эрталабдан бери бошига тушган шўришларни бир-бир ўйлаб, дунёда шу бугунгичалик абгор бўлмаганлигини эслади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аҳмад мирзонинг номуносиб ҳаракати сабабли Хўқанд, Ахсикент, Андижон вилояти устига тушадиган шўриш у зотнниг дилига алам берди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ёмон иш; жанжал, ғавғо. *-Мени бирон машинада тезда Тошкентга жўрнатинг! Бу қизингиз тушкур бир шўришни бошлаганга ўхшайди, – деди Нафисахон Пўлатжон акага.* Мирмуҳсин, Умид. *-Ахир нега алдадинг мени, нега яширдинг бу шўришни-а?! – деди Ҳаққул ота.* Ҳ. Назир, Сув гадоси – оқпадар.. *Бу даҳшат олдида рангимиз сомон! Деб шўриш солибди, лекин йўқ нафи.* Миртемир.

ШЎРИШЛИ *кам қўлл.* Шўриши бор, шўриш келтирувчи. *Келиб шўришли бир ўт тушди жонга, Ўтиб жондан, туташмоққа жаҳонга.* Ҳабибий.

ШЎРЛАМОҚ 1 Таркибидаги туз моддаси сиртига тепиб, тузли оқ доғлар ҳосил қилмоқ, шўр босмоқ. *Пойдевор ғишти захдан шўрлаб кетибди.* ▬ [*Қултойнинг*] *Азбаройи терлаганидан, чакмонининг елкаси шўрлаб-оқариб кетган эди.* Газетадан.

2 *айн.* **шўрланмоқ.** *Ерларимиз шўрлаб кетгани учун яхоб беряпмиз.*

ШЎРЛАНМОҚ Таркибида туз моддаси ҳосил бўлмоқ; ортиқ даражада шўр бўлмоқ. *Сув ҳам шўрланиб, сифатини йўқотади.* Газетадан. *Шўрланган тупроқлар қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини кескин пасайтириб юбориши ҳаммага маълум.* «Фан ва турмуш».

ШЎРЛИ I Таркибида тузи бор, шўр босган. *Шўрли ерларни ювиш.*

ШЎРЛИ II *айн.* **шўрлик 2**. *Узоқларда жонсиз кўринган, Овуллар ҳам йиғлаб ухлаган. Саҳар туриб шўрли хотинлар, «Тангрим» деган, тўлиб йиғлаган.* Ҳ. Олимжон. *Қалмоқ келар ўз ҳолидан бехабар, Келиб, қирғин топмасин-да, шўрлилар.* «Алпомиш».

ШЎРЛИК I Шўр ҳолат, шўр эканлик. *Овқатнинг шўрлиги.* ▬ *Яқинда* [*Чортоқда*] *ковланган қудуқдаги сувнинг шўрлик даражаси Қора денгиз сувига жуда ўхшаш.* Ф. Сирожиддинов, Чортоқ ҳавоси.

ШЎРЛИК II **1** Толеи паст, бахти қора; бечора. *Отам шўрлик бу мусибатга бардош беролмади, фарзанд доғи чинор қоматини букди, сўнг қулатди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бойвачча ака, отамга шафқат қилинг, у шўрлик жўжабирдек жон, хонадонимизнинг ризқ-рўзи ўтиб турган бир парча еримизга кўз тикманг.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Ачиниш билдиради; бечора. *«Байт» туфайли юз берган кўнгилсизликдан шоир шўрлик хабарсиз эди, албатта.* Н. Аминов, Суварак. *Опам шўрлик ўша жойда бекиниб ётиб, тонг оттирган экан.* С. Нуров, Нарвон.

3 *айн.* **шўриш**. *Бир кафт тупроқ билан барча фалокат, Барча шўрликлардан чиқмоқ бўладир.* Ҳ. Олимжон.

ШЎРО [*а.* شورى / شورا – маслаҳат; кенгаш] *тар.* **1** Совет ҳокимияти (советлар)нинг 20-аср 20–40-йилларигача ўзбек ва б. туркий тилларда ишлатилган номи (1990 йиллар охирида ўзбек тилида яна қўллана бошлади). *Керенский ҳукумати ағдарилиб, шўролар ҳукумати тузилди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Шўролар ҳокимияти бойнинг мол-мулкларини мусодара қилди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 Ўша даврларда сайлаб ёки тайинлаб қўйиладиган бошқарув-раҳбарлик, давлат ёки жамоат органи ва у жойлашган жой. *Давлат план комиссияси ташкил қилиниб, унга нозирлар шўроси раиси муовини Турсунхўжаевни бошлиқ қилиб тайинлашди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қишлоқ шўроси Учқулоқ қишлоғига жойлашган.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ШЎРПЕШОНА [шўр I + пешона] *айн.* **пешонаси шўр** *қ.* **шўр** II. *Бу шўрпешоналарга раҳм қилувчи, уларга кийим-бош бергувчи, улардан ҳол сўрагувчи йўқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШЎРТАК Бироз шўр, шўрроқ. *Шўртак мағиз. Шўртак қурт.* ▬ *«Дадажоним, меҳрибоним!» Бу сўзлар* [*Ёрқиноййнинг*] *чарос кўзларидан лабига юмалаб тушган шўртак ёшига йўғирилиб чиқди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШЎРТАНГ *с.т.* Шўртак. *Туялар ўз ташналигини денгиз суви ва бошқа шўртангроқ сувлар билан қондира алади.* «Фан ва турмуш».

ШЎРТОБ [*ф.* شورتاب] *айн.* **шўрхок**. *Тупроқнинг шўртоб ҳиди, қуёшнинг тафти, эрта баҳорнинг юзларни ялаб қотирувчи шабадаси..* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШЎРТУМШУҚ Одамга эл бўлмайдиган, аралашмайдиган; одамови. *Мен тушунтириб кетаман шўртумшуққа; улар бизнинг тилни ўрганишсин.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Даф бўл, фалокат шўртумшуқ, Тегирмонда туз еган суқ.* Ҳамза, Қузғунлар.

ШЎРТУПРОҚ *айн.* **шўрхок**. *Беда, маккажўхори каби озуқабоп экинларга аввалambор камҳосилли, шўртупроқ ерлар ажратилган..* Газетадан.

ШЎРХОК [*ф.* شورخاک – шўр тупроқ, шўр босган ер] Шўр билан қопланган, шўр босган ер. *Тупроқ шўрхок бўлганидан, ёзги шамол таъсирида осон кўчиб туради.* «Фан ва турмуш». *Даштнинг у ер-бу ерида олачалпоқ қор парғалари ётар, уни узоқдан киши оппоқ шўрхоклардан ажрата олмасди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *..шўрхок ерлардаги ғўзани суғориш учун сувчининг алоҳида усталиги керак.* Газетадан.

ШЎХ [*ф.* شوخ – ўйноқи; гўзал севгили] **1** Вақтини ўйин билан ўтказадиган, ўйинқароқ; тўполончи. *Эртадан кечгача яйлов далада тинмай ўйнаб чарчаган шўх болаларни бир лаҳзада ва бирдан уйқу олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шўх болалар кўп, ғилдирагига бирон нарса суқиб ёки ойнасини олиб кетса, йўлда сарсон бўлиб қолмайлик.* С. Нуров, Нарвон.

2 Ўйин-кулгини, ҳазил-ҳузулни яхши кўрадиган; хушчақчақ, қувноқ. *Шўх қиз.* ▬ *-О, бизнинг йигитлар жуда шўх бўлади, – деди Муҳаррам ўтираётиб, – битта намунаси мана, қошингизда турибди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Темиржон қишлоқ қизларининг ниҳоятда шўх, ҳазил-мутойиба гапларга чечан бўлишларини кўп эшитган эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Ўз қилиқлари, ишваси, ноз-карашмаси билан кишини ўзига мафтун қиладиган; ўйноқи. *Шўх кўзлар.* ▬ *Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтирди, Тараҳҳум айласун, ул шўхи жонон бир келиб кетсун.* Ҳамза.

4 *кўчма* Ўйноқлаб тез ҳаракат қиладиган; ўйноқи. *Машина икки томони залворли тоғлар билан ўралган, илон изи бўлиб, шўх оқаётган сой бўйида тўхтади.* Н. Фозилов, Дийдор. *Мулла Фазлиддин уни шўх от устида чавандоз йигитлардай ўтирганидан ҳам таниди-ю, вужуди бирдан қизиб кетгандай бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 *кўчма* Кишига шодлик бағишлайдиган, ҳазил-мутойиба аралаш, жўшқин; ўйноқи, шўхчан (қўшиқ, ўйин, мусиқа кабилар ҳақида). *Шўх куй. Шўх ўйин.* ▬ *Бирбиридан шўх, бир-биридан ўйноқи оҳангларга ёш-яланглар рақсга тушишяпти.* Газетадан. *Фақат ўқтин-ўқтин уруш совуқ нафасини пуркаган кунларда шўх кулгилар фарёд билан алмашиб, даштни зир титратади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ШЎХЛИК 1 Шўх хатти-ҳаракат, хусусият, хислат. *Нотаниш бўлса-да, она-келинчак Кўксида яшнаган шу фарзанд-чечак, Қийқириб, талпиниб, орттирди ихлос, Қилиғин, шўхлигин севиб қолдим рост.* Ё. Мирзо. *Тўлқинжон.. ҳазил ва шўхликда, ҳар хил ўйинлар ва қизиқчиликда ҳаммани ўзига қаратарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 Ножўя одоб-ахлоқ чегарасидан чиқувчи хатти-ҳаракат, тўполон. *Мен қизлик вақтимда у хавфланди, мендан қочишга интилди. Бу яхши бўлди.. Шўхликка берилиб, ўзимни беҳуда шарманда қилган бўлар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШЎХЧАН 1 *айн.* **шўх**. *Балки ғамгин бир зотдир у, балки шўхчан бир аёл.* А. Орипов. *Муниранинг хатти-ҳаракатларида, шўхчан боқишларида назокат, жозиба бор эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Дарё шу ерга келганда анча торайиб, шўхчан оқади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *..шўхчан ва босиқ тароналар ижодкорларидан бири — талантли ёш бастакор-созанда Салоҳиддин Тўхтасиновдир.* Газетадан.

2 *кўчма* Ранги кўзга ташланиб турадиган, очиқ рангли, рангдор (газмол ҳақида). *Шўхчан гулли юмшоқ пойандоз-гилам тўшалган зинапоядан тушаётганларида, Таманно Тўланинг енгидан ушлаб: -Ҳов ана, тоғамлар турибдилар, — деди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ШЎХ-ШАТИР Шўхлик билан иш тутадиган, гапирганда ёки бирор иш қилганда истиҳола қилиб ўтирмайдиган. *Шўх-шатир «шум бола» бу ерда йўқ эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.



Э

Э *унд. с.* **1** Ажабланиш, таажжуб, ҳайрат ҳис-туйғусини билдиради (бунда чўзиқ, такрор ҳолда қўлланиши мумкин). *Э, ҳалиям турибсизми, суф сизга-е!* «Гулдаста». *Э, қандақа хотин бу, бировнинг уйига бостириб киради!..* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Э-э, отагинам, шундоқ улуғ айёмда йиғлайдими киши?!* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Кейин билганлик, энди эслаганлик маъносини алоҳида ҳис-туйғу билан ифодалайди. *Нима қилсам экан? Э, бўлди, Нўғой холага ялиниб кўраман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Э, — Мирзакаримбой бутун гавдаси билан бир қўзғалиб қўйди, — жияним Хушрўйбибининг ўғлиман дегин, баракалла.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Чақириш, мурожаатни билдиради. *Э, э, йигитча! Қани, бу ёққа келинг-чи!* А. Қаҳҳор, Ўжар.

4 *юкл.* Баъзи сўзлар билан бирикиб, алоҳида таъкид билдиради. *-Уялинг-е, ойи! — дедилар дадам бир зум ҳайратда қотиб тургач.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЭБ *қ.* **эп.**

ЭВ *қ.* **эп.**

Эви билан Меъёр-чегара доирасида; йўли билан. *Лекин-чи, яна бир оз семириш ғамида бўлинг. Эви билан, яна семираман деб тарсиллаб кетманг.* «Муштум». *Бой бўлгур, эзмалик ҳам эви билан-да..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЭВАЗ [*а.* عوض — ўрнини босувчи; ўрнини қоплаш; бадал] **1** Ўрнига, бадалига тўланадиган ёки олинадиган ҳақ, нарса; бадал. *Куёв, эвази нақд бўлмаган оғир меҳнатга тоб бера олмай, Кимсанойни олиб, шаҳарга кетиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 (*3-ш. эгалик ва ж.к. аффикслари билан* — **эвазига**) *кўм. взф.* Асос, сабаб каби муносабатни (шундай маънони) билдиради; бадалига. *Мадрасаю ҳашамдор кўкўпар бинолар.. ўша халқлар қони эвазига тикланди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ол, дея тақдиринг бердинг қўлимга, Оҳ, нима сўрайсан эвазига ёр?* Шуҳрат.

ЭВАКУАЦИЯ [*лот.* evacuare — бўшатмоқ, холи қилмоқ] **1** Одамлар, ташкилот, корхоналарни, бадиий ва б. кадриятларни уруш, табиий офат кабилар хавфидан сақлаш мақсадида бир жойдан бошқа жойга кўчириш. *Икки ҳафта давом этган эвакуация ҳеч қандай талафотсиз тугади.* Газетадан. *Минг-минг ярадорлар билан бир вақтда эвакуация қилинган завод-фабрикаларни қабул қилиб.. жой ҳозирлаш керак эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Жанговар ҳаракатлар бўлаётган жойлардан ярадорлар, асирларни, таъмирга муҳтож ва ортиқча асбоб-ускуна ва ҳарбий техникани фронт ортига жўнатиш.

ЭВАРА Невaранинг боласи (бобога, бувига нисбатан). *Меъморнинг икки невараси ва бир эвараси бор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЭВЕН 1 *қ.* **эвенлар.** *Эвен халқи.*

2 Шу халққа тегишли, мансуб. *Эвен тили.*

ЭВЕНК 1 *қ.* **эвенклар**. *Эвенк халқи.*

2 Шу халққа тегишли, мансуб. *Эвенк тили.*

ЭВЕНКЛАР Россия Федерациясининг Красноярск ўлкасида ва Сибирнинг бошқа минтақаларида ҳамда Хитойда яшовчи кам сонли халқ.

ЭВЕНЛАР Россия Федерациясининг Саха Республикасида ва Охота денгизи соҳилларида – Магадан ва Камчатка вилоятлари, Хабаровск ўлкасида яшовчи кам сонли халқ.

ЭВИДА *айн.* **эви билан** *қ.* **эв**. *Сафаров кўз ва қош ишораси билан Самандаровга: «Эвида-да! Бу гаплар, бу муомала ортиқча», дегандай қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭВКАЛИПТ [*юн.* eu – яхши + kalyptos – қопланган, ўралган] Австралияда ўсадиган бўйи баланд, ёғочи қаттиқ ва мустаҳкам, барглари эфир мойига бой, доим яшил дарахт.

ЭВЛАМОҚ *қ.* **эпламоқ**. *Баланддан келаверма. Бир хотинни эвлаб, йўлга солиб ололмадинг..* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Ҳафиза яхши, аммо мана шу ўғлингни эвлаш қийин бўляпти.* Мирмуҳсин, Умид.

ЭВОЛЮЦИОН 1 Эволюцияга оид, узлуксиз тадрижий равишда ривожланадиган. *Эволюцион жараён.*

2 Эволюцияни ифодалайдиган, ўрганадиган. *Эволюцион таълимот.*

ЭВОЛЮЦИЯ [*лот.* evolutio – авж олдириш, кучайтириш] Узлуксиз тадрижий ривожланиш, ўзгариш; табиат ва жамиятда узлуксиз ва тадрижий равишда давом этадиган ва сифат ўзгаришларига олиб борадиган миқдор ўзгаришлари. *Эволюция жараёни.* ▬ *Бош қаҳрамон эволюцияси ҳам романдан маълум даражада ўрин олган.* Газетадан. *Ирсият туфайли узоқ эволюция давомида пайдо бўлган асосий структуралар.. ҳамма турларда сақланиб қолади.* «Фан ва турмуш».

ЭВОҲ *унд. с.* Қаттиқ афсус, изтироб, ўкинч билдиради. *Оқиздилар, эвоҳ, қирмиз қон.* «Гулдаста». *У ёлғиз вафони ёлғиз хоҳларди, Эвоҳ, жафо ундан минг карра кўпроқ.* Э. Охунова.

ЭВРИЛМОҚ 1 Айланмоқ, ўгирилмоқ. *Чархнинг мангу эврилишидан Еллар кезиб юрипти шодон.* А. Исроилов.

2 Бирор мақсадга эришиш учун елиб югурмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Яшаш учун турли усулда эврила бошлади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Бундай эврилиш фақат номига эканлигини.. у тушунарди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ЭВТАНАЗИЯ [*юн.* eu – яхши + thanatos – ўлим, ўлиш] *тиб.* Беморнинг ўлим олди азоб-оғриқларини енгиллаштириш; тузалиши қийин, оғриқ-азобдан қийналаётган беморларнинг ўлимини тезлаштириш.

ЭВФЕМИЗМ [*юн.* euphemismos < eu – яхши + phemi – гапираман] Бирор сабабга кўра қўлланиши тақиқланган ёки қўлланиши ноқулай бўлган қўпол, дағал сўз, ибора ўрнига бошқа юмшоқроқ сўз ёки ибора қўллаш. Мас., *чаён* сўзи ўрнида *эшак, оти йўқ* сўз ва иборасининг қўлланиши.

ЭВФОНИЯ [*юн.* euphonia < eu – яхши + phone – овоз] Оҳангдорлик; нутқда кучли оҳангдорлик туғдирувчи турли фонетик усуллар, ҳолатлар.

ЭГА 1 Уй-жой, мол-мулк ва ш.к. ларқарашли бўлган шахс; хўжайин, соҳиб. *Уй эгаси. Боғнинг эгаси. Чиқаси келса, эгаси сабабчи бўлади.* Мақол. *Эшакка мугуз битса, эгасини сузади.* Мақол. *Итнинг феъли эгасига маълум.* Мақол. ▬ *Дафтарни эгасига қайтариб юбориш керак эди-да.* «Ёшлик». *Боланинг топилгани уй эгаларинингина эмас, қўшнилар, ҳаммаҳаллаларнинг ҳам қувончига айланди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Мана шу мулкнинг эгаси Ўтар бобони биларсиз? Шу зотнинг фарзандиман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *Юрт, эл* каби сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган жойнинг бошқарувчиси, бошлиғи маъносини билдиради. *Отажон, сендирсан юртнинг эгаси..* «Равшан». *Шунда Чамбилнинг овини овлаб, Чамбилнинг эгаси бўлиб юрганда, Чамбилнинг депарасида Туркман деган бир юрт бор эди.* «Ширин билан Шакар».

3 Шахс ёки нарсада ўзи бирикиб келган сўз англатган нарсанинг бор, мавжуд эканини билдиради; бор, мавжуд. *Тилсиз бўлиб келдим дунёга, Аммо тилга эгаман энди.* «Гулдаста». *Барча қулайликларга эга бўлган бинолар қад ростлади.* Газетадан.

4 Мавҳум тушунчаларни билдирувчи айрим сўзлар билан қўлланиб, шахс ёки нарсанинг шу сўз англатган белги, хусусият кабига моликлигини билдиради; молик. *Катта аҳамиятга эга. Юксак фазилатларга эга.* ▬ *..юксак технологик сифатларга эга бўлган чигитни экиш анча кўпайтирилди.* Газетадан. *Отасининг салтанат олдида катта ҳурматга эга экани Бадианинг қалбига ҳам фидойилик туйғуларини солган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Нарсани юзага келтириш, тайёрлаш ва ш.к. жиҳатдан қарашлилигини билдиради. *-Йўқ, — деди Ўзбек ойим, — ош эгаси билан ширин.. Ҳа, айтгандек, қудангизникига юборган кишингиз келдими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 *с.т.* (фақат 1-ш. эгалик аффикси билан) Тангри, худо. *-Буни яратган эгамнинг ўзи билади, — деди оқсоқол.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сизни эгам сўзга пичиб қўйган экан-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 *тлш.* Икки таркибли гапларда фикрнинг кимга, нимага қарашли эканини англатувчи, белгиси кесим томонидан аниқланадиган бош бўлак.

ЭГАЛИ Эгаси бор, эгалланган. *Эгали ер.* ▬ *Ўғли борнинг эгалидир қалъаси.* «Эрали ва Шерали».

Эгали гап *тлш.* Эгаси бор, эгаси ифодаланган гап.

ЭГАЛИК 1 Эга бўлган ҳолат, эга эканлик. *Эгалигини исбот қилмоқ.*

2 Эга бўлиш, шундай ҳуқуқли ҳолат. *Мол-мулкка эгалик.*

Эгалик қилмоқ Эга бўлмоқ, (ўзини) эга сифатида тутмоқ, бошқармоқ. *Ким эгалик қилар хазна-зарига.* «Эрали ва Шерали». *-Ўғлимга танноз-сатанг ўқитувчи эмас, уйига эгалик қиладиган хотин керак, — деди қайнота Зебига.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

3 Моликлик. *Катта аҳамиятга эгалик.* ▬ *Тошкент фестивалининг жаҳондаги бошқа киноанжуманлардан ўзига хос фарқи унинг ғоят демократик руҳга эгалигидир.* Газетадан.

Эгалик категорияси *тлш.* Отнинг предметнинг уч шахсдан бирига қарашли эканини билдирувчи шакллари ва бу шаклларга хос маънолар бирлиги. **Эгалик шакли** *тлш.* Отнинг предметнинг уч шахсдан бирига оидлигини билдирувчи морфологик шакли. **Эгалик қўшимчалари** (*ёки* **аффикслари**) *тлш.* Отнинг эгалик шаклини ясовчи қўшимчалар: *-м (укам), -нг (уканг), -си (укаси), -миз (укамиз), -нгиз (укангиз), -лари (укалари).*

ЭГАЛЛАМОҚ 1 Эга бўлмоқ, ўзиники қилиб олмоқ. *Уйдаги асл буюмларни ўзи эгаллаб олади, биз унда нима қиламиз?* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳа, муғамбир, менга ёмон кўрсатиб, ўзинг эгаллаб олмоқчисан шекилли.* «Гулдаста». *Иш битиб, эшак лойдан ўтгандан кейин зўравонлар чиқиб, ерларни эгаллаб оладиган бўлса, бунинг оқибати ёмон бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор жой, сатҳ ва ш.к. ни банд этмоқ, унда жойлашмоқ, ўрнашмоқ. *Минбарни.. юқори курс студентлари эгаллади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Хон бошлиқ аркони давлат, дин пешволари тахтиравонни эгаллашди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор сатҳ, юзани қопламоқ. *Бутун айвоннинг бўй-энини эгаллайдиган гилам устидаги пастак стол одатдагидек безатиб қўйилган..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Гўё хотини ўлмагандай, қоп-қора қалин сочлари бутун ёстиқни эгаллаганча ҳамон ёнида ётгандай туюлди Камолиддинга.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Рўпарадаги икки қаватли уйнинг сояси ҳовлининг ярмини эгаллаб олибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Қамрамоқ, қамраб олмоқ, чулғамоқ, қоплаб олмоқ. *Ёдгорнинг бутун вужудини ҳорғин, мудроқ бир кайфият эгаллади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Саодатхоннинг.. юзидаги жиддийлик ўрнини ғалати, кинояга ўхшаш табассум эгаллади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Кечаги изғирин шамол ўрнини тўсатдан илиқ майин шабада эгаллади..* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

5 Забт этмоқ, ишғол қилмоқ. *Взводга жанг билан.. муҳим тепаликни эгаллаш вазифаси топширилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ҳамма юксак маррани тезроқ эгаллаш иштиёқида меҳнат қилмоқда.* Газетадан.

6 *кўчма* Билиб, ўрганиб олмоқ; ўзлаштирмоқ. *Бу йиллар мобайнида у пахтачиликнинг сир-асрорларини пухта эгаллади.* Газетадан. *Дарс бериш, лекция пайтида аудиторияга жон киритиб юбориш санъатини эгаллади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Болалар.. тўгаракларда иштирок этиб, дам олиш билан бирга, касб-ҳунар эгалламоқдалар.* Газетадан.

7 Бирон ўрин, даража ва ш.к. ни қўлга киритмоқ. *Мусобақада фигурачиларимиз бешта совринли ўринни эгаллашди.* Газетадан.

8 Бирон даража, мавқе, ўринда бўлмоқ, турмоқ. *Маънавий камолот босқичлари ичида хушмуомалалик, ширинсуханлик асосий ўринни эгаллайди.* «Саодат». *Ўтмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ЭГАР 1 От-улов устига уриладиган ва миниб ўтириш учун мосланган абзал. *От эгари.* ▬ *Комил кумуш узангига оёқ учини қўйиб, эгарга миниб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди *қ.* **от**. *Аммо, «отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди», деганларидек, ҳамма ёқдан мосуво бўлса ҳамки, ҳали ҳавоси баланд.* А. Муҳиддин, Характеристика. **Эгар урмоқ** Эгарни улов устига қўйиб маҳкамламоқ. *Бадиа отининг олдига келиб, уни эркалади, эгар, жабдуқ уриб, қайишларини маҳкам тортиб боғлади..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Эгардан тушмоқ** 1) от-улов устидан тушмоқ. *Яхшиликча эгардан туш-у, қўлингни кўтар. Бўлмаса, от устидан телпакдай учираман.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) *кўчма* кибр-ҳавоси пасаймоқ, димоғдан тушмоқ. *Фақат Самадийгина ачитди: -Энди эгардан тушибсиз-да, доҳий.* А. Мухтор, Туғилиш; 3) лавозимдан бўшамоқ, мавқеини йўқотмоқ. *Оқподшо отдан тушса ҳам, Саид Жалолхон эшон ҳали эгардан тушмаган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Калондимоғлигинг қолмади-да, полвон! Ҳамон мусофирчиликни бўйнингга олдингми, эгардан сал тушгин-да!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 Турли машиналарнинг одам ўтирадиган жойи, ўтирғичи. *Велосипед эгари. Трактор эгари.*

ЭГАРЛАМОҚ Эгар урмоқ. *Отингизни эгарлаб беринг, шаҳарга тушиб чиқаман* Ҳ. Ғулом, Маъшал.

ЭГАРЛАНМОҚ Эгарламоқ фл. мажҳ. н. *У [от] гоҳ эгарланади, гоҳ ҳовлидаги фойтунга қўшилади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Эгарланган отдай Тайёр, шай ҳолда. *Сен ҳали кўп яшайсан.. Мени-чи, шум ажал нақ остонада эгарланган отдай кутиб турибди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЭГАРЛОҒЛИҚ Эгар урилган, эгар уриб қўйилган. *Эрталаб хон саройидан шиғовул эгарлоғлиқ бир от келтириб, таъзим билан элчини аркка чорлади.* М. Осим, Элчилар.

ЭГАРСИМОН Эгар шаклидаги, эгарга ўхшаган. *Эгарсимон тоғ.*

ЭГАРЧИ Эгар ясовчи уста.

ЭГАРЧИЛИК 1 Эгар ясаш касби. *Унинг асл касби эгарчилик бўлиб, қўчқор, эчки шохларини кўчамиздаги ариққа ташлаб қўяр эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 *тар.* Эгарчилар маҳалласи ёки растаси.

ЭГАСИЗ Бирор кимсага қарашли бўлмаган, эгаси йўқ; сабил. *Эгасиз мулк.* ▬ *Қорабулоқда бекор ётган эгасиз, қақраб ётган қўриқлар кўп.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Фақат устига шелуха ортилган эгасиз ёлғиз арава турарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Эгасиз гап *тлш.* Эгаси бўлмаган (ифодаланмаган) гап (*қ.* **эга 7**).

ЭГАСИЗЛИК 1 Эгасиз ҳолат.

2 *айн.* **хўжасизлик**. *Хўжасизлик — эгасизлик хавфли ижтимоий иллат.* Газетадан.

ЭГАТ Шудгор ерда экин экиш учун тортилган узун ариқ.

Эгат очмоқ (*ёки* **солмоқ**) Ҳайдалган ерда эгатлар ҳосил қилмоқ, ариқ олмоқ. *Маълумки, жами қишлоқ хўжалик ўсимликлари ҳар хил кенгликда олинган эгатлар орқали суғорилади.* «Фан ва турмуш». *..қишлоқда яшовчи борки, бари теримчига айланган, каттаю кичик эгат оралайди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЭГАЧИ 1 Бир ота-онадан туғилган қизлардан каттаси (кичигига нисбатан; тарихан ва баъзи шеваларда ўғил укага нисбатан ҳам қўлланади). *Зайнаб эгачиси Хушруйдан етти ёш чамаси кичик эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бобур Самарқандга кетишда ўз онаси ва эгачисига «Ўшдаги ҳужрадан хабар олурсизлар», деб тайинлаб кетган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Аёл кишининг ўзидан катта ёшдаги (шунингдек, ҳурмат юзасидан кичик ёшдаги) аёлга мурожаат шакли. *-Туриб-туриб, мана шу норасидаларнинг бахтига сизга ўхшаш худо ярлақаган эгачим борлигидан қувониб кетаман, — деди Зоҳида Меҳринисога.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Ҳалима уни туғишган эгачисидай иссиқ қабул қилди.* Ж. Абдуллахонов, Гулчеҳра.

ЭГИЗ Иккаласи бирликда; бирга, қўш. *Уруш билан жудолик ҳам бир-бирига эгиз.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Қариндошим, туғишқоним, Улкан қозоқсан ўзинг, Тонготарда эгиз болқар Ўзбек билан юлдузинг.* Ғ. Ғулом. *Бу четда ётган совлиқ.. ҳар йили эгиз туғади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭГИЗ(АК) 1 Бирга туғилган икки ёки ундан ортиқ бола. *Эгизак туғилган болалар.* ▬ *Зуҳрахон Лолахон билан бир онанинг қорнидан талашиб тушган эгизаклардай яқин бўлиб қолишди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 *айн.* **эгиз**. *Садоқат — асл виждон! Бурчга эгизак! У юракка қадрдон, Ҳаётга безак.* Ё. Мирзо. *Қуёш ва пахта! Булар менинг диёримда эгизак туғилганлар.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Шодлик билан қайғу айни бир вақтда эгизак бўладиган шундай пайтлар ҳам бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЭГИК 1 Эгилган, қуйи солинган; букик. *Эгик бўйин. Қадди эгик одам.* ▬ *Ҳамза ёлғиз эди, у боқарди тик, Унинг тик қомати ҳеч бўлмас эгик.* Ж. Жабборов. *Ўзингни гуноҳкор деб сезмаганингдан кейин, нега бошинг эгик бўлсин?!* И. Раҳим, Ихлос.

2 Эгилган, қайрилган; эгри, қийшиқ, қийшайган. *Каттакон бурнининг учи бир оз эгик..* С. Нуров, Нарвон. *..толнинг эгик шохига қўнган қора қарға тинимсиз қағиллаб, қишни чақиради.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЭГИЛИК 1 Яхшилик, фазилат, хислат. *Ҳай, ўртоқлар!.. Коллективлик эгилиги бизга аён.* Ғ. Ғулом.

2 Савобли иш; яхши, хайрли иш; эзгулик. *Эгиликнинг кечи йўқ.* Мақол. ▬ *Худо ҳожи акамизнинг умрини узун қилиб, болачақасининг эгилигини кўрсатсин..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эгиликдан умидини узган Бува отларни тўқайга бошлади.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ЭГИЛМА Эгилган, қайрилма. *Онанинг кўзлари унинг чиройли эгилма қошлари ўртасидаги ғам тугунчасига тикилди.* Ойбек, Нур қидириб.

ЭГИЛМОҚ 1 Эгмоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Бўйни эгилди. Эгилган таёққа суянма, сени ҳам эгади.* Мақол. *Чивиқ тутган еридан синмайди, эгилган еридан синади.* Мақол.

2 *кўчма* Бирор ишга қайишмоқ, бўйни ёр бермоқ. *Уй ишига ҳам эгилсанг-чи!*

3 Таъзим қилмоқ, бошни хам қилмоқ. *Эгилган бошни қилич кесмас.* Мақол. ▬ *Атрофдаги одамлар бари пулдор.. Уларга эгилсанг, бошингни силайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Қуллуқ қилмоқ, ўжарликни қўймоқ. *Нобакор укангдан ҳеч хабар оляпсанми? Қийналиб кетса ҳам, эгилай демайди-я!* Й. Шамшаров, Тошқин.

ЭГИЛУВЧАН Яхши эгилиш хусусиятига эга, эгилишга мойил. *Майин шабада.. суяги қотмаган гўдакдек эгилувчан ниҳолларни аста тебратади.* Газетадан. *Сувчилар меҳнатининг ўрнини эгилувчан қувурлар босди.* Газетадан.

ЭГИЛУВЧАНЛИК Яхши эгилиш хусусиятига эгалик. *Инсон қадимдан асл металлар, уларнинг гўзаллиги, эгилувчанлиги, бошқа металлар билан бирикиш хусусиятига эътиборини қаратган.* Газетадан.

ЭГИН (*3-ш. бирл.* **эгни**) **1** Орқанинг елка ва бўйин орасидаги устки қисми. *Энди эгнимни қисиб турмайин, қандоқ бўлса, буларга бир сўз айтайин, деб Ёдгор бир сўз айтаётир.* «Ёдгор». *Ўзи полвон сиёқли.. Ҳар эгни қирдай, қараши тўқайдаги шердай.* «Ойсулув».

2 Киши танаси (гавдаси)нинг кийим кийиладиган уст қисми. *Мана ҳозир Мунисхон ётоқхонадан чиқиб келади. Эгнида оқ кўйлак.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 Энгил, кийим-бош. *Сувдан чиқдик, шоша-пиша эгнимизни кия бошлагандик, чорвоқ томондан биров кўринди-ю, писиб олди.* М. Жўра, Изтироб.

ЭГИН-БОШ *с.т.* Энгил-бош, кийим-бош. *Ғуломжонни шаҳарда кўпроқ ажаблантирган нарса шу бўлдики, у мадрасадан кетиб қолгандан бери гадойлар, тиланчилар, эгни-боши хароблар илгаригидан ҳам кўпайиб кетган эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭГМА Эгиб ясалган; эгилган, қайрилган. *Эгма трубалар.* ▬ *Сирож эгма кўприкдан ўтиб, кўл ўртасидаги чойхонага кирди.* С. Зуннунова, Одамлар орасида.

ЭГМОҚ 1 Тўғри, тик ҳолатидан бирор томонга тортмоқ; қайирмоқ, букмоқ. *Дарахт шохини эгмоқ. Новдани икки учидан ушлаб эгмоқ.* ▬ *Дарё томондан ғириллаб эсиб турган шабада йўл бўйидаги ўт-ўланларни эгар, тебратар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Этак тутиб, тик қаддимни эгармишман, Кунга куйиб, мен ҳам пахта терармишман.* «Муштум».

2 Ўз измига бўйсундирмоқ, итоат эттирмоқ. *Э нодон қиз, Тўлқинжон шунча қизларнинг ичида сени севиб қолгани учун шодлан! Майли, бари бир эгиб оламан!* Ф. Мусажон, Хури. *Нима қилса, ишёқмасларни эгиб олиш мумкин?* «Ўзбекистон қўриқлари».

Бош эгмоқ 1) бошини қуйи солмоқ. *Бозорқул бундай пайтларда бош эгиб, хомуш ўтирарди.* А. Мухтор, Чинор; 2) ўзини итоатли, таъзимда тутмоқ. *Полвон ёш болага ўхшайди, кекни билмайди, бош эгиб борса, албатта, кечиради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *..жиндек тоқат қилинг, тоқатлига тоғ бош*

эгармиш. К. Яшин, Ҳамза; 3) бўйсунмоқ, измидан чиқмаслик. *Жаҳолатга.. шафқат билмас золимларга ҳеч қачон бош эгмайман.* К. Яшин, Ҳамза. **Бўйин эгмоқ** 1) йўлига юрмоқ, айтганига юрмоқ; бўйсунмоқ. *Эски раислар бўйин эгармикин бу ёш жувонга. Ишласа ҳам бир йил ишлайди.* И. Раҳим, Ихлос; 2) ишга қайишмоқ, кўнмоқ. *Ароқхўрликка муккасидан кетган Абдужаббор ижтимоий фойдали меҳнатга бўйин эгмай қўйибди.* «Муштум». *Ҳозир шунчалик паст ишга ҳам бўйин эгиш зарурати бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЭГОВ 1 Қаттиқ буюмни (темир, ёғоч ва ш.к. ни) кесиш, текислаш, ўткирлаш, пардозлаш учун ишлатиладиган, қирадиган тиши пўлатдан ясалган чилангарлик асбоби. *Уч қиррали эгов. Юмалоқ эгов. Ялпоқ эгов. Йирик тишли эгов.* ▬ *Кичикроқ эгов билан узангининг юзлари яна эговланиб силлиқланади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. «*Сиз занглаган кетмонсиз, оловга тоблаб, ўткир эговга чархлаш керак», деса-я юзсиз!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 *кўчма* Кишини жондан тўйдирадиган, унинг умрини қисқартирадиган кимса, нарса. *Ичкилик — ақлнинг эгови. Ёмон хотин — умрнинг эгови.* ▬ *Ҳамма косиб шундай бўлади, жоним! Косибчилик — умрнинг эгови.* Ойбек, Танланган асралар.

ЭГОВЛАМОҚ 1 Эгов билан ишлов бермоқ, эгов билан силлиқламоқ, ўткирламоқ. *Аррани эговламоқ. Кетмоннинг дамини эговламоқ.* ▬ *Пўлат найза ер остида ётарми, Темир найза эговласа ўтарми..* «Ойсулув».

2 *кўчма* Руҳий азоб бермоқ, қийнамоқ, емирмоқ. *[Дилбар:] Ўзингизни ўзингиз эговлаяпсиз, Комилжон ака.* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим. *Ойим раҳматликнинг умрини уруш даврининг қийинчиликлари билан мана шу оғир кетмон ҳам эговлаган..* П. Қодиров, Юракдаги қуёш. *Кечадан бери миямни эговлаган масалалардан сўз очдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЭГОВЛАНМОҚ 1 Эговламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Эговланган юза. Эговланган пўлат.*

2 *кўчма* Силлиқланмоқ, сайқал топмоқ. *Бир қолипга тушолмаган дурда-дурда фикрлар эговлансин.* F. Fулом.

ЭГОИЗМ [*фр.* egoisme < *лот.* ego — мен] *қ.* **худбинлик.** *..ўзларининг ғаразли манфаатларини кўзлаб.. яккалик ва эгоизмни зўр бериб авж олдира бердилар.* Газетадан.

ЭГОИСТ [*фр.* egoiste < *лот.* ego — мен] *қ.* **худбин.** *Эгоистлар — ёмон одамлар.. фақат ўзим бўлай дейишади. Ўзларинигина, ўз ҳаётларининг ҳузур-ҳаловатинигина ўйлашади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭГОИСТИК Худбинликка, эгоизмга оид, худбинлик руҳида бўлган. *Олий мактаблардан чиқаётган баъзи кишилар.. жамият манфаатларини эмас, балки ўзларининг эгоистик, шахсий манфаатларини афзал кўраётганликларидан кўз юмиш мумкин эмас.* Газетадан.

ЭГОИСТЛИК *қ.* **худбинлик.** *Эгоистлик қилмоқ.* ▬ *..унинг ҳар бир гапида, сўзининг оҳангида ўзини ардоқлаб вояга етказган Аширгул онага нисбатан бемеҳрлик, эгоистлик ҳислари ошкора сезилиб турарди.* Н. Улуғжонов, Онажонингни унутдингми?

ЭГОЦЕНТРИЗМ [*лот.* ego — мен + centrum — марказ, ўрта(лик)] Манманлик ва худбинлик (эгоизм)нинг учига чиққан шакли: шахснинг фақат ўз қизиқиш доирасигагина боғланиб қолиши, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмай, фақат ўз фикрлари ва шахсиятини юқори қўйишидан иборат хислати.

ЭГРИ 1 Тўғри чизиқ бўйлаб йўналмаган; қийшиқ, қинғир. *Эгри чизиқ. Эгри қилич. Эгри кўчадан юрсанг ҳам, тўғри юр.* Мақол. ▬ *Азим толларнинг эгри шохларидаги шокила-шокила попуклар йўловчиларни салқинга чақира бошлади.* Ҳ. Fулом, Машъал.

2 Ҳақиқатга зид; нотўғри. -*Қийиқ иш қирқ йилдан кейин ҳам маълум бўлади, эгрисини қўйиб, тўғрисини гапираверинг, — деди.. Дўстмуродов.* «Муштум». *Энди тўғри танқиддан эгри хулоса чиқариш одатингизни ташланг.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Дўстим, ҳаётга чуқуррoқ қарасангиз, тўғри билан эгрини айира биласиз..* Ойбек, Нур қидириб.

3 Хатти-ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. жиҳатдан ахлоқ-одоб, қонун-қоида меъёрий талабларига зид бўлган, шундай иш тутадиган; номақбул, ножўя, чакки. *Бирорта одам савдо соҳасида ишласа, дарров мияларига эгри фикр келади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Эгри одам соясидан ҳам хавотирланаверар экан.* «Муштум». *Ўзи тўғри бўлмаган одам бошқаларга ҳам эгри кўз билан қарайди.* Газетадан.

ЭГРИ-БУГРИ Эгилган, букилган; қинғир-қийшиқ. *..эгри-бугри ариқларни кетмон билан текислай бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эгри-бугри шохлари бутун ҳовлини тутган катта нашвати дарахти тагида бир тўда болалар ўтиришибди.* Ф. Насриддинов, Артист ва режиссёр. *Ҳали кўмилмаган токлар эгри-бугри қизғиш танасини яширолмай, иймангандай осилиб ётарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЭГРИЛИК 1 Эгри ҳолат, эгри эканлик. *Деворнинг эгрилиги. Йўлнинг эгрилиги.*

2 Эгри, ножўя иш, хатти-ҳаракат (*қ.* **эгри 3**). *Мен домлаликда, эшонликда юраверib, хийла қўли эгриликка ўрганиб қолганман.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЭДИ *тўлиқсиз фл.* Феъл, шунингдек, бошқа туркумга оид сўзлар билан бирикиб, ўтган замон ва б. модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. *Шу мактабда ўқиган эдик. Хабари бўлса келар эди. Бу ерлар илгари чакалакзорлар эди. Хўп десанг, кинога борар эдик.*

ЭЖИКИЛАМОҚ: эжикилаб Майда-чуйдасигача, ҳамма тафсилоти билан, батафсил; синчиклаб. *-Гапир, қани, отанг саломат юрибдими?..— эжикилаб сўрай бошлади бувим.* Ойбек, Болалик.

ЭЗГИН Руҳий эзилган; эзилган, тушкун ифодали. *Тўтиқиз бошини аста кўтариб, кампирнинг ғамгин, эзгин юзига тикилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *«Сегоҳ»га ўтди, яна аллақандай ғамгин, эзгин куйларни айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўзларида ёш ҳалқаланди. Ким билсин, бу энг сўнгги эзгин ёшлардир?!* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ЭЗГИНЛИК Эзгин, тушкун ҳолат. *Эзгинлик, хўрлик, йўқлик асаби бўш одамларда тажанглик туғдирар, муомалада пардани кўтарарди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ЭЗГУ Яхшилик бахш этувчи; эгилик келтирувчи; хайрли. *Эзгу ният. Эзгу иш.* ▬ *Озодлик ҳайкали қошига бу он Эзгу ўйларимни олиб келдим мен.* Х. Даврон. *Наврўз шамоли хаёлни шундай олиб қочади, эзгу йўлларга чорлайди.* Газетадан.

ЭЗГУЛИК Хайрли, эзгу иш. *Жаҳонга донғи кетган олимларни тўплаб, уларга шароит яратиб берган одам эзгуликни ҳис этмаслиги мумкин эмас.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Эзгулик йўлида қилинган яхшилик умрга сайқал бериб боради.* Газетадан.

ЭЗИБИЧКИ *этн.* Дуо ёзилган, сув ёки чойга чайқаб эзиб ичиладиган, гўё даво бўладиган қоғоз. *Қиз, гўшангада кийилажак юпқа оқ кўйлакни.. ва икки томоннинг кўнглига «ўлмас муҳаббат» солувчи «эзибички»ни бирга қўшиб, рўмолчага тугиб, эртага унутмаслик учун, белгили жойга қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эзибички бериб, тутатқи тутатиб, бошингиздаги бало-қазоларни ҳайдайман.* К. Яшин, Ҳамза.

ЭЗИК 1 *кам қўлл.* Эзилган; уваланган; янчилган. *-Отам ғирт оми бўлишига қарамай, ўта диндор эди.. Данак чақса, эзигини ўзи еб, бутунини олло йўлига бағишлаган, — деди чол.* А. Муқимов, Қопқон.

2 *кўчма* Эзилган, жабрланган, абгор бўлган; эзгин. *Алишгансан мени ўғлон болангга, Аламим кўп эзик юракларимда,* «Орзигул». *Мунг, алам билан учган бу эзик нола тоғтошларнинг қалбини тилгудай бўлди.* Миртемир.

ЭЗИЛИШМОҚ 1 Эзилмоқ фл. бирг. н.

2 *с.т.* Қониқиб, узоқ гаплашиб ўтирмоқ. *Махдум Анварнинг бирор камбағал билан эзилишиб ўтирганини кўрса, ичидан аччиғланиб.. паст ҳамиша пастлигини қилади, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЭЗИЛМОҚ 1 Эзмоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Эзилган мева. Эзилиб пишган гуруч. Эзилган халқлар.*

2 Куйинмоқ, ачинмоқ; қийналмоқ, дили хун бўлмоқ; ташвиш тортмоқ. *Руҳан эзилмоқ.* ▬ *Бечора қиз отага муҳтож. Отасиз эзилиб битмаса яхши эди.* И. Раҳим, Ихлос. *-Кумуш ҳам менинг тепамда ўтириб, эзилиб йиғлар, бутун вужуди қалтирарди, — деди Камолиддин.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ЭЗМА Гапдан оғзи тинмайдиган, кўп гапирадиган; сергап. *Эзма чол. Эзма бўлмоқ.* ▬ *Кўпчилик айтгандек, киши қариса, Эзма, насиҳатгўй бўлиб қоларкан.* Ғ. Ғулом. *Оғзи чарчамайдиган эзма одам керак бунча гапиришга.* Э. Аъзамов, Шайтончалар кўчаси.

ЭЗМАЛАНМОҚ 1 Эзмалик қилмоқ, гапни чўзмоқ. *Бир неча фарсахдан кейин қудуқ келишини олдиндан айтар, қудуқни эзмаланиб тасвирлар, ҳаммаси тўғри чиқарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ортиқ эзмаланиб ўл-*

тиришга Эҳсоннинг фурсати йўқ эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *с.т.* Жуда секин, имиллаб иш қилмоқ; ивирсимоқ, ивирсирамоқ, имилламоқ. *Эзмаланмай, тез кийинсанг-чи!*

ЭЗМАЛАШМОҚ Эзилиб (эзмалик билан) гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ. *Ўз қўли билан Қурбоналига овқат олиб чиқди. У билан ўтган-кетганлардан эзмалашди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЭЗМАЛИК 1 Эзмага хос хислат, эзма эканлик *Мамарасул ака, сураткаш ҳам эзмалигингиздан хабардорга ўхшаб қолди дейман-а?* Уйғун, Сайланма.

2 Ортиқча ва унчалик керак бўлмаган тафсилотларга, майда-чуйдаларга берилиш. *У тўйлардан, азалардан.. эсига маҳкам жойлаб келган «миш-миш» ларни ҳар вақт эзмалик билан сўйлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭЗМА-ЧУРУК *с. т.* Ортиқ даражада эзма. *Нима қилиб бу эзма-чурукни судраб юрибсиз, бети қурсин.* С. Аҳмад, Сўнгги нусха.

ЭЗМОҚ 1 Босиб, сиқиб ва б. йўл билан юмшатмоқ, пачақламоқ, янчмоқ ва ҳ.к. *Оёғи билан сигаретани эзмоқ. Анорни эзмоқ.* ▬ *Ёнида чумоли уясини кўриб, оёғи билан эзди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Чол бошқа чой чақириб, белбоғининг қатидан қуруқ чой олиб, кафтида эзди-да, пиёлага солиб қайтарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Эрталаб Шоқосим.. бир ўсимликнинг қовжироқ гулини келтириб, қайноқ сувда эзиб, қизга ичиришни буюрган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Киши аъзоси ёки унинг бирор жойини қаттиқ босим, сиқувга олмоқ. *Оғир юк елкасини эзяпти.* ▬ *Оёғини қиздириб эзган этигини ечолмай ўтирган Ширмонхон Мақсуда келгандан кейин ўрнидан турди.* С. Зуннунова, Олов. *Манглайни эзиб юборди бу чўян қалпоқ.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Оғир, қийин аҳволга солмоқ, шундай аҳволда сақламоқ. *Узоқ ва машаққатли йўл уларни жуда эзиб ташлаган эди.* ▬ *Халқларни қул қилиб эзиб келган подшо ҳукумати ағдарилди.* Т. Бекмуродов, Унутилмас воқеалар. *Кириб майдонда жавлон урди эрлар, Эзиб душманни ҳайқирмоқда шерлар.* Ҳабибий.

4 Руҳан қийноққа солмоқ; қийнамоқ. *Раҳимжон ака, бўлди, ўзингизни эзманг..* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Орага оғир, эзиб юборувчи жимлик чўкди.* К. Яшин, Ҳамза. *У билан талашиб-тортишиб ўтириб, ёлғизлигини ҳам унутган экан. Энди танҳолик эза бошлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

5 Қойилмақом қилиб, жуда таъсирли тарзда ижро қилмоқ (асосан куй, қўшиқ ҳақида). *Шодмон ҳожи олдин дуторда майин эзиб, «Туя бўзлов» машқини чалиб, кейин танбурни олди.* С. Абдулла, Қувғунда. *Бобоси уни қувонтирадиган гап топганидан хурсанд, эзиб ҳикоя қила кетди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

Жағини эзмоқ Уриб мажақламоқ, абжағини чиқармоқ. *Ол қўлингни, жағингни эзиб қўяман!* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. **Жиғини эзмоқ** *қ.* **жиғ**. *Ҳа, Салим, Ҳакимларнинг жиғини эзаман, ука.* Ойбек, Танланган асарлар. **Эзиб ёғмоқ** Майдалаб тўхтовсиз ёғмоқ. *Уч кундан бери ёмғир эзиб ёғар, ҳашарчилар ишга чиқмай, зерикиб қолишган эди.* Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг. **Юракни** (*ёки* **бағирни, қалбни, юрак-бағирни) эзмоқ** Руҳий азоб бермоқ, руҳан қийнамоқ. *Ўғли Турғунбой унинг юрагини эзиб юборди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Ахир менда нима гуноҳки, муштипар онаизорнинг бағрини эзасан.* К. Яшин, Ҳамза. *Совлиқнинг фарёд уриб маъраган юрак-бағрини эзиб юборди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Опа хатосин сезди, Тўғри сўз қалбин эзди.* «Муштум».

ЭЗҒИЛАМОҚ *айн.* **эзмоқ 1.** *Тупроқни эзғиламоқ. Папиросни эзғиламоқ. Хамирни эзғиламоқ.* ▬ *Тошпўлат бир сиқим кесакни олиб, кафтида эзғилади.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар.

ЭЙ *унд. с.* **1** Мурожаат, чақириқ маъносини билдиради. *-Тўхта, эй тўхта дейман!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эй, буни қара, лайлакнинг уяси.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Ачиниш, эътироз, қўшилмаслик маъноларини ифодалайди. *Эй, ҳаммаси баҳона..* Ойбек, Танланган асарлар. *Эй, бас қилинг-эй!* Ҳамза, Танланган асарлар. *Эй, қаёқда!* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

-эй *юкл.* Таъкид, маънони кучайтириш учун хизмат қилади. *Извошларинг шунақа юмшоқми-а? Нақ бахмал тўшакдай, жоннинг ҳузури-эй.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оббо ноинсоф-эй, Ширмонбулоқнинг этагидаги қора тупроқ ерларнинг барисини қўлга киргизиб олди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭЙВОҲ *айн.* **эвоҳ**.

ЭЙНШТЕЙНИЙ [*лот.* Einsteinium – машҳур физик Альберт Эйнштейн шарафига шундай ном олган] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сунъий равишда олинган радиоактив металл.

ЭЙФОРИЯ [*юн.* euphoria < eu – яхши + phero – бошдан кечираман, ўтказаман] Объектив ҳолат билан боғлиқ бўлмаган димоғчоғлик, ўз-ўзидан, ғайриихтиёрий кўтаринки хурсанд ҳолат (асосан руҳий касалликларда, наркотик моддалар қабул қилганда кузатилади).

ЭКАН *тўлиқсиз фл.* Феъл, шунингдек, бошқа туркумга оид сўзларга бирикиб, кейин билганлик, шарт ва б. модал маъноларни билдиради. *Ҳеч ким эшитмаган экан. Қўшнингиз жуда яхши одам экан. Кўришмоқчи экан, нега келмади? Йўлда давом этар экан, турли хаёлларга борди.*

ЭКВАТОР [*лот.* aequator < aequare – тенглаштирмоқ, баробар қилмоқ] Ер шарининг ҳар икки қутбидан тенг масофада жойлашган ва Ернинг айланиш ўқига перпендикулар бўлган ҳамда Ерни Шимолий ҳам Жанубий яримшарларга ажратадиган катта айлана, чизиқ. *Географик экватор. Ер экватори.* ▬ *Кун бўйи ўчоқдаги лахча чўғдай ловуллаб ёнган экватор қуёшининг тафти ҳам энди хийла босилди.* С. Абдуқаҳҳор, Очиқ дераза тагида. *Эквадор номи бу мамлакатнинг экватордан пастда жойлашганлигини кўрсатади.* «Фан ва турмуш».

Осмон экватори Осмон гумбазининг олам ўқига перпендикулар бўлган ҳамда осмонни Шимолий ва Жанубий яримшарларга ажратадиган катта доира.

ЭКВАТОРИАЛ I *астр.* Иккита бир-бирига перпендикуляр бўлган ўқ атрофида айланадиган ва ҳар қандай осмон жисмининг осмон экваторига нисбатан вазиятини аниқлашга имкон берадиган линзали ёки кўзгули телескоп.

ЭКВАТОРИАЛ II Экваторга оид, экваторда ёки экваторга яқин жойлашган. *Экваториал минтақа.* ▬ *Бир нафасда экваториал қоронғилик борлиқни босди-қолди.* «Фан ва турмуш».

ЭКВИВАЛЕНТ I [*лот.* aequivalens, aequivalentis – тенг кучли, тенг қийматли] *от* Бирор нарсага тенг ёки бирор жиҳатдан мос келадиган ва унинг ўрнини боса оладиган бошқа нарса. *Иссиқликнинг механик эквиваленти. Кимёвий эквивалент.* ▬ *Ҳар бир ҳикоядан сўнг шу ҳикояда учрайдиган қийин сўзлар ва ибораларнинг ўзбекча эквиваленти луғат тарзида берилган.* Газетадан.

ЭКВИВАЛЕНТ II *сфт.* Тенг, тенг бўлган; мос келадиган, ўрнини боса оладиган. *Эквивалент миқдорлар. Эквивалент сўзлар.*

ЭКЗЕМА [*лот.* eczema – тошма < ekzeo – қайнаб тошаман] *тиб.* Терининг нерв ва эндокрин система фаолиятининг бузилиши, организмда сурункали инфекция манбаи бўлиши, шунингдек, меъда-ичак касалликлари туфайли организм сезувчанлигининг ортиши билан кечадиган сурункали аллергик касаллиги. *Экзема организмда модда алмашинишининг бузилиши туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин.* Газетадан.

ЭКЗЕМПЛЯР [*лот.* exemplar – нусха, намуна] *қ.* **адад 1, нусха 4.** *«Ўтган кунлар» китобидан ўн экземпляр сотиб олдим.*

ЭКЗОТИКА [*юн.* exotikos – бегона, ўзга ерли] Бир мамлакатга хос бўлиб, узоқдаги бошқа мамлакат халқига қизиқ, ғалати, ғайриоддий бўлиб кўринадиган нарсалар, урф-одатлар. -*Қани ўша экзотика? – ҳайратга тушди хорижий журналист.* Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари. *Экзотика билан миллий руҳни сақлаш орасида катта фарқ бор.* Ш. Шомуҳамедов, Бадиий таржима ва адабий танқидчилик.

ЭКИН Ҳосил олиш учун экилган ҳар қандай уруғдан униб-ўсган ўсимлик. *Экин майдони. Экинларни суғормоқ.* ▬ *Боғларни бир-биридан айирган деворлар кўринмас; ишкомлар, мевазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дала ва боғларда битадиган ўсимликларнинг тури, хили. *Ғалла экинлари. Полиз экинлари. Техника экинлари.* ▬ *Унинг [Ботиралининг] айтишича, қишлоқнинг асосий экини бўлган шолидан бу йил мўл ҳосил олинган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Қора экинлар *шв.* Полиз экинлари. *Қора экинлар билан жайдари пахтани ҳали ҳам камайтиришга маслаҳат бераман.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ЭКИНЗОР Экин экилган, экин билан банд бўлган жой, дала. *Чўлни экинзорга айлантирмоқ.* ▬ *Орқада бепоён водийлар..*

экинзорлар, неча-неча обод қишлоқ ва шаҳарлар қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЭКИНЛИ Экин экилган. *Экинли ер.*

ЭКИН-ТИКИН Ҳар хил экин; ҳар хил экинлар; экин экиш; экин экиш ишлари. *..экин-тикинлар йиғиб олингунча биз билан турсин.* А. Ҳайитметов, Унсин хола. *Тошкент халқи эркин нафас олди, савдо-сотиқ, экин-тикин ва касб-кор кўтарила бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Авжи экин-тикин даврида ер қақраб, тупроқ тўзиб турди.* И. Раҳим, Ижод, маҳорат, жасорат.

ЭКИНЧИ *эск.* Экин экувчи, деҳқон. *Баҳорнинг ҳиди ҳам кела бошлади.. экинчиларнинг ҳам куни туғди дея беринг.* «Муштум».

ЭКИНЧИЛИК *эск.* Экин экиш, деҳқончилик. *Экинчилик қилмоқ.*

ЭКИПАЖ I [*фр.* equipage]От қўшиладиган, одам ташувчи енгил арава; фойтун.

ЭКИПАЖ II [*фр.* equipage – кема командаси, аслаҳа-анжомлари] Кема, самолёт, танк ва ш.к. ларнинг шахсий таркиби. *Самолёт экипажи.* ▬ *Қўмондоннинг буйруғи билан учала ўғилдан бир экипаж ташкил этилибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Исаевнинг танк экипажи жасурлик намунасини кўрсатиб, душман техникасига зарба берди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЭКЛЕКТИЗМ [*юн.* eklektikos – танловчи, сайлаб олувчи] *флс.* Ҳар турли, ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлган фикр, караш, ғоя ва назарияларни бирлаштиришга уриниш, принципсизларча қориштириб юбориш.

ЭКЛЕ́КТИК Эклектизм тарафдори.

ЭКЛЕКТИ́К Эклектизмга оид, унга асосланган. *Бу бинолар эклектик архитектуранинг намуналарига ўхшаб қолган, давлатга жуда қимматга тушган.* А. Бобохонов, Истиқболни ўйлаб.

ЭКЛИПТИКА [*юн.* ekleiptike < ekleipsis – тутилиш (мас., қуёш)] *астр.* Осмон сферасининг Қуёшнинг кўринма йиллик ҳаракати кўчиб турадиган катта доираси; бу доира Ернинг Қуёш орбитаси бўйлаб ҳаракатини акс эттиради. *Осмон сферасида Қуёш маркази йил давомида силжиб борадиган катта айлана эклиптика деб аталади.* «Астрономия».

ЭКМА Экиб ўстириладиган. *Бизнинг ўлкамизда гулхайрининг битта экма, еттита ёввойи тури бор.* Газетадан.

ЭКМОҚ Ўсимлик уруғини, уруғликни ерга ташламоқ, сепмоқ, тикмоқ; ўсимлик тупини, кўчатини ўтқазмоқ. *Чигит экмоқ. Картошка экмоқ. Гул экмоқ. Арпа эккан арпа олар, Буғдой эккан бугдой олар.* Мақол. *Бирни кессанг, ўнни эк!* Мақол. *Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк!* Мақол.

ЭКОЛОГИК Экологияга оид, у билан боғлиқ. *Экологик ҳолат.* ▬ *Олимларнинг фикрича, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш учун туб чоралар кўриш талаб этилади.* Газетадан.

Экологик система Тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитларидан ҳосил бўладиган яхлит комплекс.

ЭКОЛОГИЯ [*юн.* oikos – ватан, уй + logos – фан, таълимот] Биргаликда яшайдиган тирик организмларнинг ўзаро ва теварак-атрофдаги муҳит билан бўлган муносабатини, шунингдек, одам ва биосфера ўртасидаги ўзаро муносабат масалаларини ўрганувчи фан.

ЭКОНОМИЗМ *сиёс.* 19-асрнинг охири – 20-асрнинг бошларида рус социал-демократиясида пайдо бўлган, ишчилар ҳаракатининг асосий вазифаси фақат иқтисодий талаблар доирасида (меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ҳақини ошириш ва б.) кураш олиб боришдан иборат бўлмоғи керак, деб даъво қилган оқим.

ЭКОНОМИКА [*юн.* oikonomike – уй-рўзғор хўжалигини бошқариш санъати] *қ.* **иқтисодиёт.** *Қуёшли Ўзбекистонимизда фақат пахтачилик эмас, экономиканинг бошқа тармоқлари ва маданият ҳам юксалмоқда.* «Фан ва турмуш». *Проблемаларни ҳал этиш хўжалик экономикасини юксалтиришнинг гаровидир.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЭКОНОМИСТ 1 *қ.* **иқтисодиётчи, иқтисодчи.** *Қишлоқ хўжалиги бўйича экономист. Экономист олим. Экономист инженер. Бош экономист.*

2 Экономизм тарафдори.

ЭКОНОМИЯ [*юн.* oikonomia – хўжаликни бошқариш] **1** *қ.* **иқтисод 1.**

2 *тар.* Капиталистик типдаги йирик помешчик хўжалиги.

ЭКРАН [*фр.* ekran – тўсиқ, ғов; парда] **1** Тасвир тушириш учун мосланган сатҳ, юза; парда. *Кино экрани. Телевизор экрани.* ▬ *Бу ёруғ уйнинг деразаси худди кино экранига ўхшарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *тех.* Турли энергетик нурланишларни ютадиган, қайтарадиган ёки нарса ва кишиларни улардан ҳимоя қиладиган қурилмаларнинг умумий номи. *Буғ қозонининг экрани. Рентген аппаратининг экрани. Радиолампа экрани.*

3 *кўчма* Кино санъати.

ЭКРАНЛАМОҚ *тех.* Экран билан, ҳимоя тўсиғи билан таъмин қилмоқ; тўсмоқ. *Буғ қозонини экранламоқ.*

ЭКРАНЛАШТИРМОҚ Бадиий асарни кинофильмга ёки телефильмга айлантирмоқ, шу асар асосида кинофильм яратмоқ. *Романни экранлаштирмоқ.*

ЭКРАНЛИ Экрани бор, экранга эга бўлган. *Кенг экранли кинотеатр. Экранли радиолампа.*

ЭКС- [*лот.* ex — келиб чиқиш, манбани ифодаловчи олд қўшимча; -дан] Байналмилал ўзлашма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, 1) бирор жойдан чиқиш, ажралиш, чиқариб олиш (мас., *эксгумация, экстерриториаллик*); 2) аввалги, собиқ (мас., *экспрезидент, экс-чемпион*) маъноларини билдиради.

ЭКСГУМАЦИЯ [*лот.* ex — -дан, ичидан + humus — тупроқ, ер] *тиб. ҳуқ.* Суд-тиббий, криминалистик экспертиза, патологик-анатомик текшириш мақсадида мурдани кўмилган еридан ковлаб олиш.

ЭКСКАВАТОР [*ингл.* excavator < *лот.* excavare — тешмоқ, ўймоқ] Ер ковлайдиган ва тупроқни чиқариб ташлайдиган, асосий ишчи қисми ковш бўлган ўзиюрар машина. *Бир ковшли экскаватор. Экскаватор заводи.* ▬ *Зовур қазиётган полвон — экскаваторнинг оғир чўмичи фил хартумидай баландга кўтарилиб тушмоқда.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ЭКСКАВАТОРЧИ Экскаваторни бошқарувчи машинист. *Моҳир экскаваторчи ўзининг баракали меҳнати билан кўпчиликка ўрнак бўлаётир.* Газетадан.

ЭКСКУРС [*лот.* excursus — (нутқда) четга чиқиш, мавзудан чекиниш] Асосий мавзу орасида шу мавзуга алоқаси бўлган бошқа бир масалага мурожаат қилиш, тўхташ, уни ёритиш. *Муаррихнинг асосий мақсади Хоразм шоҳларининг.. тарихини тиклашдан иборат бўлса-да, у ўз асарини узоқ ўтмишга экскурс қилишдан бошлайди.* «ЎТА».

ЭКСКУРСАНТ *айн.* **экскурсиячи.** *Павильондаги экспонатларни жуда кўплаб экскурсантлар ўрганмоқдалар.* Газетадан.

ЭКСКУРСИЯ [*лот.* excursio — бирор жойга сафар, саёҳат] **1** Музей, кўргазма, шаҳар ва ш. к. жойларни кўпчилик бўлиб бориб кўриш, шундай мақсаддаги сафар. *Экскурсияга чиқмоқ. Экскурсия автобуси.* ▬ *Муаллимлари бошчилигида географиядан экскурсияга келишган эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Экскурсия вақтида у ўзини жуда эркин тутиб, суҳбатни тарихий воқеаларга боғлаб, қизиқарли ўтказди.* Газетадан.

2 Экскурсия қатнашчилари гуруҳи; экскурсантлар. *Экскурсия Самарқанд шаҳрига жўнаб кетди.*

ЭКСКУРСИЯЧИ Экскурсия қатнашчиси.

ЭКСКУРСОВОД [экскурсия + *р.* водить — бошлаб (бош бўлиб) бормоқ] Экскурсиячиларни бошлаб юрувчи киши, экскурсия раҳбари. *Латофат автобуснинг деразасидан экскурсовод ҳикоя қилиб кетаётган эски черковга қаради.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЭКСПАНСИОНИСТ *айн.* **экспансиячи.**

ЭКСПАНСИОНИСТИК Экспансияга қаратилган, экспансия руҳидаги. *Экспансионистик сиёсат.*

ЭКСПАНСИЯ [*лот.* expansio — кенгайтириш, ерини кенгайтириб юбориш] Давлатларнинг, ижтимоий гуруҳлар ёки ташкилотларнинг ўзга ҳудуд ва бозорлар, хомашё манбаларига нисбатан куч ишлатиш ёки бошқа воситалар орқали ўз сиёсий ва иқтисодий таъсир доирасини кенгайтириш йўлидаги ҳаракати.

ЭКСПАНСИЯЧИ Экспансия тарафдори, экспансия сиёсатини юритувчи.

ЭКСПЕДИТОР [*лот.* expeditor < expedire — юбормоқ, жўнатмоқ] Корхона, муассаса ва ш. к. да мол, товар, газета-журнал, хатхабарларни тегишли жойларга тарқатиш билан шуғулланувчи ходим. *Урганч район матлубот кооперациясининг экспедитори Қўзи Жумаев фактларни кўздан кечираётиб.. қарсак чалиб юборди.* Газетадан.

ЭКСПЕДИТОРЛИК Экспедитор иши, вазифаси. *Шундан кейингина у нон ташиш бўйича экспедиторлик лавозимига тайинланган.* Газетадан.

ЭКСПЕДИЦИОН Экспедицияга оид, экспедицияга тааллуқли. *Экспедицион асбоб-ускуналар.*

ЭКСПЕДИЦИЯ [*лот.* expeditio – тартибга солиш; сафар, саёҳат < expedire – юбормоқ, жўнатмоқ] **1** Маълум гуруҳ кишиларнинг бирор мақсад билан (мас., илмий мақсадда) уюштирилган сафари. *Илмий экспедиция.* ▬ *Экспедицияга чиқишдан олдин уй эгаси кириб, у ёқ-бу ёқдан гапириб, пировардида, одатича, нолиди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Шундай сафар қатнашчилари. *Экспедиция манзилга етди.* ▬ *Аммо ҳар гал экспедициялар бир-бирига қарама-қарши, чалкаш ахборотлар қолдиришган.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Муассасанинг хат-қоғозларни юбориш, тарқатиш билан шуғулланувчи бўлими. *Газета экспедицияси. Экспедиция бошлиғи.*

ЭКСПЕДИЦИЯЧИ Экспедиция қатнашчиси, экспедиция ишлари олиб борувчи шахс. *Экспедициячилар қанча-қанча оғирчиликларни енгиб, янги маршрут схемалари.. геологик маълумотларнинг хомаки нусхаларини қоғозга туширавердилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭКСПЕРИМЕНТ [*лот.* experimentum – синов, синаш; тажриба] Аниқлаш, синаш, текшириш мақсадида ўтказиладиган илмий тажриба, синов; синов ишлари. *Биологик эксперимент. Илмий эксперимент.* ▬ *Туялар устида олиб борилган эксперимент шуни кўрсатдики.. улар бир неча ҳафта сувсиз яшай олади.* «Муштум».

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ 1 Экспериментга, эксперимент ўтказишга оид. *Экспериментал иш. Экспериментал метод. Илмий текшириш институтининг экспериментал базаси.*

2 Экспериментга асосланган*, Экспериментал биология. Экспериментал физика.*

ЭКСПЕРИМЕНТЧИ Эксперимент ўтказувчи, эксперимент асосида тадқиқот олиб борувчи.

ЭКСПЕРТ [*лот.* expertus – тажрибали] Суд-тергов органлари, тиббий ёки илмий муассасалар томонидан экспертиза ўтказишга чақирилган шахс, муайян соҳа мутахассиси. *Суд экспертлари. Экспертлар комиссияси.* ▬ *Эксперт иштирокида гўр очилди. Ундан йигирма ёшлар чамасидаги ўрта бўйли, миқтигина йигитнинг гавдаси чиқди.* Газетадан. *Экспертлар келиб, барча тафсилотларни аниқламоқчи бўлишди.* М. Ҳакимов, Бир фожианинг сири.

ЭКСПЕРТИЗА [*фр.* expertise < *лот.* expertus – тажрибали; синалган] Қийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текшириш, шундай текшириш ўтказувчи мутахассислар ҳайъати. *Суд-тиббиёт экспертизаси. Экспертиза хулосаси.* ▬ *Тошмат шимининг чўнтагидан тиббий экспертиза справкасини чиқариб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Экспертиза натижаси бўйича тузилган акт унга ўқиб берилди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ЭКСПЛУАТАТОР [*фр.* exploiteur] Бошқаларнинг кучидан, меҳнатидан фойдаланувчи мулкдор шахс. *Эксплуататорлар синфи.* ▬ *Болтабой қўл кўтарди.. Ўша мамлакатларда ҳукумат эксплуататорлар қўлида.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭКСПЛУАТАЦИЯ [*фр.* exploitation – ишлатиш, фойдаланиш; фойда олиш < *лот.* explicitare – фойдаланмоқ, ишлатмоқ] **1** Ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг ўзгалар меҳнати маҳсулини ўзлаштириб олиши. *Эксплуатацияга асосланган.*

2 Табиий бойликларни қазиб олиб, улардан фойдаланиш; ер, саноат корхоналари, транспорт воситалари, бинолар ва ш.к. дан фойдаланиш, уларни ишлатиш. *Водопроводни эксплуатацияга тайёрламоқ.* ▬ *Мактабни.. эксплуатацияга топшириш учун.. конкрет чоралар кўрилди.* «Муштум».

ЭКСПЛУАТАЦИЯЧИ *айн.* **эксплуататор**.

ЭКСПОЗИЦИЯ [*лот.* expositio – кўргазма, томоша учун қўйиш; баён қилиш, тавсифлаш; тушунтириш] **1** *ад.* Бадиий асар сюжетининг таркибий қисми бўлиб, унда воқеалар юз берадиган макон ва замон, асар қаҳрамонлари ҳақидаги муаллиф маълумотлари баён қилинади.

2 Мусиқа асарининг асосий мавзуини ёки мавзуларини тасвирловчи бошланғич қисми; муқаддима.

3 *махс.* Музей, кўргазма ва ш.к. да санъат асарлари, тарихий обидалар ва ш.к. нинг томошабинларга кўрсатиш учун маълум бир системада жойлаштирилиши ва шундай тартибда жойлаштирилган материаллар. *Музей экспозицияси ҳозирги замон талаби*

даражасида тузилган. Ф. Ҳусаинова, Қўқон адабиёт музейида.

4 Кино санъатида ва фотографияда: суратга олиш пайтида ёруғлик сезувчи материалларга тушадиган ёруғликнинг миқдори.

ЭКСПОНАТ [*лот.* exponatus – кўргазмага, томоша учун қўйилган] Музей ва кўргазмаларда намойиш қилинадиган, экспозицияга қўйилган нарса. *Музей экспонатлари, Қишлоқ хўжалик кўргазмасининг экспонатлари.* ▬ *Бу табаррук даргоҳда адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ўн бир мингдан зиёд экспонат мавжуд.* Газетадан.

ЭКСПОНОМЕТР [*лот.* exponere – қўймоқ, кўрсатмоқ + *юн.* metreo – ўлчайман] Фото-, кино аппаратида экспозицияни аниқлаш учун хизмат қиладиган асбоб. *Ҳар бир фотоҳаваскор фотоэлектрик экспонометрни яхши билади.* «Фан ва турмуш».

ЭКСПОРТ [*ингл.* export < *лот.* exportare – четга (ташқи бозорга) чиқармоқ] *иқт.* Сотиш ёки бошқа мақсадларда чет элларга мол ёки капитал чиқариш ва чиқарилган мол, капитал; *зид.* **импорт.** *Бир сўз билан айтганда, республикамиз импорт ўлкасидан экспорт ўлкасига айланиб бормоқда.* Газетадан.

Экспорт қилмоқ Чет элга (мол) чиқармоқ. *Ҳозирги кунда завод маҳсулотлари йигирмадан ортиқ хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.* Газетадан.

ЭКСПРЕСС [*ингл.* express < *лот.* expressus – кучайтирилган; ифодали, тасвирий] Йўлда кам тўхтайдиган, тез юрадиган поезд, автобус, кема ва ш.к. *Экспресс автобус.*

ЭКСПРОМТ [*лот.* expromptus – шай ҳолда бўлган; қўл остида тайёр турган] *айн.* **бадиҳа.**

ЭКСПРОПРИАТОР [*фр.* exproprіateur < *лот.*] Экспроприация қатнашчиси, экспроприация қилувчи, уни амалга оширувчи.

ЭКСПРОПРИАЦИЯ [*фр.* expropriation < *лот.* ex – =дан + proprius + шахсий, хусусий] *сиёс.* Давлат органлари томонидан мажбурий равишда (ҳақини тўлаб ёки текин) мулкдан маҳрум қилиш.

ЭКСТАЗ [*юн.* extasis – завқланиш] Ҳаддан ташқари (жазава даражасида) завқланиш, маҳлиё бўлиб қолиш.

ЭКСТЕРН [*лот.* externus – ташқи, сиртқи; чет, бегона] Ўқув юртида: ўқимасдан, мустақил тайёрланиб, имтиҳон топширувчи киши. *Мактабни экстерн тариқасида тамомламоқ.*

ЭКСТЕРНАТ Экстерн тариқасида имтиҳондан ўтиб, ўқув юртини тамомлаш.

ЭКСТЕРРИТОРИАЛ Экстерриториаллик ҳуқуқига эга бўлган.

ЭКСТЕРРИТОРИАЛЛИК [*лот.* ex – =дан, ташқари + territorialis – маълум ҳудудда жойлашган] *юр.* Халқаро ҳуқуқда: давлатлар томонидан дипломатик вакилларга ўзаро бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлар: шахс ва тураржой дахлсизлиги, маҳаллий судлар томонидан суд қилинмаслик ва ш.к.

ЭКСТРА [*лот.* extra – меъёрдан юқори, фавқулодда, ўта] Энг яхши, аъло (мол, товар нави ҳақида). *Экстра чой.*

ЭКСТРАДИЦИЯ [*фр.* extradition < *лот.* ex – =дан, ташқари + traditio – топшириш, бериш] Муайян чет давлат қонунларини бузган шахсни шу давлатга топшириш.

ЭКСТРАКТ [*лот.* extractus – чиқариб, тортиб, суғуриб олинган] Экстракция йўли билан олинган модда, маҳсул. *Олча экстракти.* ▬ *Японияда чуқур сув остида яшовчи акула турларининг жигаридан.. «акулин» деган экстракт олинмоқда.* «Фан ва турмуш».

ЭКСТРАКТИВ Экстракция йўли билан олинган. *Гўшт пиширилаётганда ивиб қолувчи ёки ажралиб чиқувчи моддалар экстрактив моддалар деб аталади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ЭКСТРАКЦИЯ [*лот.* extractio – чиқармоқ] Спирт, бензол ва ш.к. эритувчи моддалар ёрдамида суюқ ёки қаттиқ моддалар аралашмасидан бирор керакли моддани ажратиб олиш. *Мойни экстракция қилиш. Мой-ёғ комбинатининг экстракция цехи.*

ЭКСТРАСЕНС [*лот.* extra – -дан ташқари, -дан ортиқ + sensitivus – таъсирчан, сезгир] Атроф муҳитни, борлиқни (сезги аъзолари иштирокисиз) идрок қилиш ҳамда ўзга кишилар ва ҳайвонларга таъсир кўрсатишда ғайритабиий қобилиятга эга бўлган шахс.

ЭКСТРЕМИЗМ [*лот.* extremus – энг охирги; ўтакетган, ашаддий; кескин] Сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда усуллар билан йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик.

ЭКСТРЕМИСТ Экстремизм тарафдори, кескин фикр ва чораларни ёқловчи, амалга оширувчи.

ЭКСТРЕМИСТИК Экстремизмга оид, экстремизмга мойил бўлган. *Экстремистик доиралар. Экстремистик талаблар.*

ЭКУВЛИ 1 Экин экилган, экинли. *Экувли ер.*

2 Экин экса бўладиган, деҳқончилик учун ярокли.

ЭКУВСИЗ Экин экилмай қолган, экилмаган. *Экувсиз ер.*

ЭЛ 1 Бир жойнинг одамлари, аҳолиси, халқи; умуман, кўпчилик одам, халойиқ, ҳамма. *У эрининг қилмишидан эл олдида бошини хам қилиб юрарди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Одамларнинг кўз ёшидан, қаҳридан қўрқмай, эл отаси бўлиб юрганингизга ёқа ушлайман, тақсир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бир юртга, қабилага мансуб одамлар; миллат, халқ. *Қипчоқ эли. Манғит эли. Қардош эллар.* ▬ *Шифокорлик касбини улуғлаш, элга сидқидилдан хизмат қилиш, кишиларнинг дардига даво топиш олийжаноб ишдир.* Газетадан.

3 Юрт, диёр, мамлакат. *Чет эллар. Ҳар ким элида, ўрдак кўлида.* Мақол. ▬ *Баҳор келди элимизга, Яшил тўн кийди дала.* И. Муслим. *Шу пайт хаёл узоқларга, она элимга олиб кетди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Яшил элларга томон учиб кетди қушчалар.* А. Орипов.

Эл бўлмоқ Кимса билан ўз кишисидек яқин, дўст бўлмоқ; чиқишмоқ. *Асли душман эл бўлмас, Этакни кессанг, енг бўлмас.* Мақол. *Томчи сел бўлмас, Душман эл бўлмас.* Мақол. ▬ *Бекнинг тўплаган одамлари аллақандай бир-бирига эл бўлмайдиган олчоқ одамлар экан..* А. Мухтор, Чинор. *Ёвга эл бўлмаган каби ҳеч замон, Ёвни эл қилмади фарғоналиклар.* А. Обиджон.

ЭЛАК Ун элаш учун ишлатиладиган, тўр қопланган ёғоч гардишдан иборат уй-рўзғор асбоби. *Сим элак. Қалин элак. Элакка кирган хотиннинг эллик оғиз гапи бор.* Мақол. ▬ *Зиёдахон.. элакдаги кепакни оғзи тор халтачага эҳтиёт билан солди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Элак бўлмаслик Хизмат қила олмаслик, хизматга ярамаслик. *Қобилжон гап билмайди, гап билмагандан кейин, элга элак бўлмайди.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар. **Элакдан ўтказмоқ** 1) элаб тозаламоқ; эламоқ. *Хом ёнғоқ пўстлоғини қуритиб, элакдан ўтказиб, хинанинг асилига келинг, деб яна пул топади.* С. Аҳмад, Сайланма; 2) обдан текширувдан (синовдан) ўтказмоқ. *Бу ернинг табиати шунақа, янги келганларни элагидан ўтказиб олади..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭЛАКИШМОҚ 1 Эл бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ. *Ҳафиза, негадир, бу гўзал шаҳарда ёлғизликдан зерика бошлади — қўшни қизлар билан элакишолмади.* Мирмуҳсин, Умид. *Кутиб олгани чиққан мактаб болалари.. бирпасда бир-бирларига элакишиб кетишди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Тегажоғлик қилмоқ, ҳазиллашмоқ. *Мен билан элакишма.*

ЭЛАКЧИ Элак ясовчи уста.

ЭЛАК-ЭЛАК: элак-элак қилмоқ 1 Синчиклаб текширмоқ; бирма-бир қараб, текшириб чиқмоқ. *Иш элак-элак қилингач, Сафаровнинг сири очилди.* «Муштум». *Шунга асосан комбинатга келган учлик комиссия Қурбон Ориповни тоза элак-элак қилди.* «Муштум».

2 Элаганга ўхшаш ҳолатга, ҳаракатга солмоқ. *Ҳозиргина қумлар устини аста сийпалаб юрган шамол бирдан кучайиб, борлиқни элак-элак қила бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭЛАМОҚ 1 Элакдан ўтказмоқ, элакдан ўтказиб тозаламоқ. *Бостирмада Зиёдахон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тўй арафасида куни билан қор ёғди, шундай элаб ёғдики, кўзларни очирмай қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 (*фақат бўлишсиз шаклда* — **эламаслик**) Эътибор (аҳамият) бермаслик, назар-писанд қилмаслик. *Зебихон ўзига муносиб йигит изларди. Оёғи тагида ўралашаётганларни писанд қилмас, йўлини тўсиб, йиғлаб, дардини айтадиганларни эламас эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Хола қўшнисининг гапини сиртдан эламаган бўлса ҳам, аммо ичидан зил кетди.* Л. Маҳмудов, Вафо.

3 *кам қўлл. айн.* **тебратмоқ.** *Зубайда бошини элаб, «йўқ» ишорасини билдирди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЭЛАНМОҚ 1 Эламоқ 1 фл. мажх. ва ўзл. н. *Эланган ун.* ▬ *Замон тебранган сайин у мислсиз зўр ғалвирда эланаётган буғдойнинг жиридай четга чиқади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *шв.* Ялинмоқ ёлвормоқ, илтижо қилмоқ. *Пўлат отадай нуроний кексаларнинг эланишлари наҳот сизнинг дилингизни юмшатолмаса.* К. Яшин, Ҳамза. *Уйига милиционер юбориб.. юрагини пўкиллатиб қўярдим.. Ўзи оёғини қўлига олиб югуриб келарди эланиб!* С. Нуров, Нарвон.

ЭЛАН-ҚАРАН Шошилмай, аста, бафуржа. *Аравага қўшиладиган от, чарчаган эшакдай бошини осилтириб, элан-қаран қадам ташлайди: тап, тап, тап..* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Солия опа халта-хулталарини ҳужрага жойлаб, элан-қаран уйга кирса, Роҳила конверт ичидаги хатни олиб ўқиб, юм-юм йиғлаяпти.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ЭЛАС *шв.* Сал-пал, сезиларсиз даражада. *Дадақўзининг аянчли товуши қулоғига элас чалинди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Чеча коридорда туриб, баланд каравотда.. ётган эрини элас таниди.* «Ёшлик».

ЭЛАСЛАБ *шв.* Ғира-шира. *Узоқдаги қоралар кўринади эласлаб.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ЭЛА́СТИК I [*юн.* elastikos – қайишқоқ, эгилувчан] Синтетик толалардан махсус тайёрланган чўзилувчан, эгилувчан, қайишқоқ модда, чўзиб қўйиб юборилганда, тез ўз ҳолига қайтадиган материал, мас., резинка.

ЭЛАСТИ́К II [*юн.* elastikos] Қайишқоқ, чўзилувчан, эгилувчан. *Эластик жисмлар. Эластик материал.*

ЭЛАС-ЭЛАС Ғира-шира, билинар-билинмас даражада (асосан, кўриш, эшитиш, тасаввур қилиш ҳолатлари ҳақида). *Муқаддам беш-олти қадам орқада турар, қоронғиликда гавдаси элас-элас кўринарди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Номаълум томондан Матлубанинг овози элас-элас эшитилади.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси. *Ҳозир ўша кунларни, худди тушимда кўргандек, элас-элас эслайман.* О. Ҳусанов, Қамбарнинг камоли.

ЭЛАТ 1 Кишиларнинг миллат шаклига келмасдан олдинги тарихий бирлиги. *Кўпдир мамлакатда эллар, элатлар, Қадим ва ноқадим халқлар, миллатлар.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Эл, эл-халқ, қабила. *Қабила бошлиғи Олтиной ўз элатининг тўқ, тинч бўлиши учун ҳамиша қайғураркан.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Дорига тортди, деб карвонлар айтди, Ҳамма элат ўлганини эшитди.* «Юсуф ва Аҳмад».

3 Бир жойли ёки бир қабилага, уруққа мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан). *Бу киши менинг элатим.* ▬ *Элатлар махорка ўраб, ҳузур билан торта бошладилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳа, элат, ётоққа ҳаммадан илгари кирадиган одатингиз йўқ эди, нима бўлди?* В. Ғофуров, Вафодор.

4 Юрт, диёр; мамлакат. *Эл севган киши элатга оқсоқол бўлади.* Мақол. ▬ *Мен ўлсам, сеники Жамбил элатим. Ҳарна борим, бари аркон давлатим.* «Равшан». *Борсанг, обод бўлар ўсган элатинг, Авж олади зиёда бўп давлатинг.* «Муродхон».

ЭЛАТДОШ *айн.* **элат 3**. *Олтмиш тўртга кирганда қари ёшим, Ғамларга чулғанди қариган бошим, Ўлсам беҳисобдир у элатдошим.* «Эрали ва Шерали».

ЭЛАТЛИК Элатларча ҳамжиҳатлик; элатларга хос ўзаро муомала, муносабат, одат. *Баҳромгул пари Авазнинг каттакон ёри, унинг тарзига қараб, ғамгин бўлиб, кўзидан ёши оқиб, элатлик қилиб, бир сўз деди.* «Зулфизар билан Авазхон».

ЭЛАТЧИЛИК *айн.* **элатлик.** *Ойжамол айтди: -Ўз элимизда бир одам «қиз меники», деб эшигимизни шупурган эди. Элатчилик – бировга беролмай, шунга бойланиб турибди.* «Ёдгор».

ЭЛАШИМЛИ Элакдан яхши ўтадиган, элаб бўладиган.

ЭЛБЕГИ *эск.* Эл, элат бошлиғи, сардор. *Хазина эшигин очинг, донолар, Элбегини, подшоларни жийинглар [йиғинглар].* «Юсуф ва Аҳмад».

ЭЛБУРУНДАН *с. т.* Ҳаммадан бурун, ҳаммадан олдин, биринчи бўлиб, элдан бурун. *Сен элбурундан жом қоқиб, ўз бошингни ўзинг балога қўйма!* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Шуни кўра-била туриб, элбуруndан чекиняпсан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭЛБУРУТДАН *айн.* **элбурундан**. *Элбурутдан айтмасанг, кейинчалик ўзи ҳам эшитиб қолади, кўникади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Қўзибой элбурутдан тизгинни тутиб, карвонларча арава қиррасига қийшайиб олди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЭЛДОШ Бир жойли ёки бир элга, қабилага мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан). *Убайдуллахўжа аълам шикоятчи бойларнинг.. элдошлари олдида обрў учун*

курашаётганларини англади.. П. Турсун, Ўқитувчи. *Мен бу ерга элдош оғайниларни кўрай деб келдим.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ЭЛЕВАТОР [*лот.* elevator – (юқорига) кўтарувчи] **1** Ғаллани қабул қилиш, тортиш, қуритиш, элаш, юклаш механизмлари билан жиҳозланган махсус ғалла омбори. *Тошкент элеватори. Тегирмон элеватори.* ▬ *Бизни сули қоплагани элеваторга олиб чиқадиган бўлиб қолишди.* А. Раҳмат, Брест қаҳрамонлари.

2 *тех.* Сочилувчан ёки донали юкларни кўтарувчи машина, механизм ёки механизмнинг бир қисми. *Линотип элеватори. Ковшли элеватор.*

3 *тех.* Иситиш системаларида совиб қайтган сувни иссиқ сув билан аралаштириш учун хизмат киладиган мослама.

ЭЛЕКТР [*юн.* elektron – каҳрабо; смола, қатрон] **1** Электрик зарядларнинг мавжудлиги, ўзаро таъсири ва ҳаракати натижасида рўй берган физик ҳодисалар мажмуи; шу ҳодисалар туфайли юзага келадиган энергия турларидан бири. *Мусбат электр. Манфий электр. Электр токи. Электр қуввати. Электр лампаси. Электр қўнғироқ.*

2 *с. т.* Электр оқими қуввати билан ёнадиган ёриткич ва ундан тарқалувчи нур, ёруғлик. *Қора чироқ ёқмайман, Электрлар турганда, Дангасага тегмайман, Зарбдорлар турганда.* «Қўшиқлар». *Кетмон ушлаган икки мўйсафид унинг ёнидаги электр устуни тагида гаплашиб турарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 *сфт.* Электр қуввати билан ишлайдиган. *Сартарошлик ёмон касб эмас. Электр машиналар ҳар қандай ошқовоқдай бошни ҳам бир зумда шилиб ташлайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЭЛЕ́КТРИК I *айн.* **электротехник.** *Кўпгина слесарлар, электриклар олий ўқув юртларида сиртдан билим ола бошладилар.* О. Жуманазаров, Карвон келди.

ЭЛЕКТРИ́К II Электрга алоқадор, унга хос, электр билан ҳаракатга келтириладиган, электр ҳосил қиладиган, электр туфайли ишлайдиган. *Электрик таъсир. Электрик лампа. Электрик тебранишлар.*

ЭЛЕКТРИФИКАЦИЯ [электр + *лот.* facere – қилмоқ] *қ.* **электрлаштириш**.

ЭЛЕКТРИЧКА Электр қуввати билан юрадиган поезд. *Бир ой ичида орттирган ошна-оғайни ҳам электричкагача кузатиб чиқади.* Ойдин, Суҳбати жонон.

ЭЛЕКТРЛАМОҚ Электр заряди бермоқ, зарядламок. *Ўтказгични электрламоқ.*

ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ Электр энергияси билан таъминлаш; ишлаб чиқариш ва бутун хўжаликни электр энергиясидан кенг миқёсда фойдаланишга ўтказиш. *Қишлоқни электрлаштириш. Саноатни электрлаштириш.* ▬ *..ўқув дастурлари қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бўйича бирбирига уйғунлаштирилиши мақбулдир.* Газетадан.

ЭЛЕКТРЛИ Электр билан таъминланган. *Қирга кетди куйимиз, Кузда бўлар тўйимиз. Жинчироқни ирғитдик, Электрли уйимиз.* «Қўшиқлар».

ЭЛЕКТР(О)- [*юн.* elektron – каҳрабо] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, электрга алоқадор, унга хос, электр билан ҳаракатга келтириладиган, электр ҳосил қиладиган, электр туфайли ишлайдиган каби маъноларни билдиради.

ЭЛЕКТРОВОЗ [электро.. + *р.* возить – тортмоқ; судрамоқ; ташимоқ] Электр кучи билан ишлайдиган локомотив. *Тезда электровозларни ишга туширишга қаратилган зарур тадбирлар кўрилди.* Газетадан.

ЭЛЕКТРОД [электр.. + *юн.* hodos – йўл] **1** *физ.* Суюқлик ёки газга электр ўтказиш учун ишлатиладиган, пластинка, стержень, шар ва ш.к. шаклидаги ўтказгич. *Мусбат электрод. Манфий электрод.* ▬ *Агар эритма орқали ток ўтказилса, эритмага туширилган пластинкалар — электродлар газ пуфакчалари билан қоплана бошлайди.* «Кимё».

2 Электр билан пайвандлаш, эритиш ёки кесишда ишлатиладиган деталга электр оқими ўтказадиган мослама. *У электродни яхшилаб ўрнатди-да, детални учқунлар сачратиб пайвандлашга тушди.* Б. Пўлатов, Ихлос.

ЭЛЕКТРОДИНАМИК Электродинамикага оид. *Электродинамик ҳодиса.*

ЭЛЕКТРОДИНАМИКА [электро.. + динамика] Физиканинг ҳаракатланувчи электр зарядлари хоссаларини ва ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАММА [электро.. + кардиограмма] Юрак тепишининг элек-

трокардиограф воситасида ёзиб олинган график тасвири.

ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФ [электро.. + кардиограф] Электрокардиография усулида ишлатиладиган тиббий асбоб.

ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИЯ [электро.. + кардиография] Юракнинг тепиши натижасида ҳосил бўладиган электр импульсларни график тарзда қайд этиб, юракнинг аҳволини текшириш усули.

ЭЛЕКТРОКИМЁ [электро.. + кимё] Физик кимёнинг моддаларда электр оқими таъсирида содир бўладиган кимёвий ҳодисаларни, шунингдек, кимёвий жараёнлар натижасида электр оқимининг юзага келишини ўрганадиган бўлими.

ЭЛЕКТРОЛИЗ [электро.. + *юн.* lysis – эрувчан, парчаланувчан; ажралувчи] *ким.* Туз ёки кислоталарнинг эритмасидан ўзгармас электр оқими ўтаётганда, эритманинг таркибий қисмларга ажралиш жараёни. *Электролиз цехи. Электролиз усули билан соф металл ҳосил қилмоқ.*

ЭЛЕКТРОЛИТ [электро.. + lysis – эрувчан, парчаланувчан; ажралувчи] *ким.* Электр токини ўтказиш ионлар ҳаракати билан амалга ошадиган кимёвий модда.

ЭЛЕКТРОЛИТИК Электролизга оид; электролиз йўли билан олинадиган. *Электролитик жараён. Электролитик мис.*

ЭЛЕКТРОМАГНИТ [электро.. + магнит] Электр оқими ёрдамида магнит майдони ҳосил қиладиган, одатда сим ўралган пўлат ёки темир ўзак шаклидаги мослама; сунъий магнит.

ЭЛЕКТРОМЕТР [электро.. + *юн.* metreo – ўлчайман] *физ.* Кам зарядли ва кучсиз электр оқимлари потенциалларини ва улардаги тафовутларни ўлчайдиган асбоб.

ЭЛЕКТРОМЕТРИЯ *физ.* Электрга, электр ҳодисаларига оид катталикларни ўлчаш усуллари мажмуи.

ЭЛЕКТРОМЕХА́НИК Электромеханика мутахассиси.

ЭЛЕКТРОМЕХАНИ́К Электрик ва механик таъсирга асосланган. *Электромеханик мослама.*

ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА [электро.. + механика] Электротехниканинг электр энергияси билан ишлайдиган электр двигателлар, электр машиналар ва механизмларни қуриш ва улардан фойдаланиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланадиган бўлими.

ЭЛЕКТРОМОНТЁР [электро.. + монтёр] Электр тармоқлари ва асбоб-ускуналарини ўрнатиш, ишга солиш ҳамда назорат қилиб туриш билан шуғулланувчи ишчи-мутахассис. *..ўқув юртларида электромонтёр, монтажчи ва бошқа касбдаги ишчиларнинг кўпайтирилиши ҳам қишлоқ хўжалигини кадрлар билан таъминлаш масаласини бирмунча ҳал қилган бўлар эди.* Газетадан.

ЭЛЕКТРОМОТОР [электро.. + мотор] Электр мотори, электр двигатели; электр энергиясини механик энергияга айлантирадиган машина.

ЭЛЕКТРОН I [*юн.* electron – каҳрабо; смола, қатрон] Энг кичик манфий электр зарядига эга бўлган элементар заррача.

ЭЛЕКТРОН II Магнийга бир оз алюминий, рух ва марганец қўшилишидан ҳосил бўладиган енгил қайишқоқ қотишма.

ЭЛЕКТРОН III **1** Электронга оид (*қ.* **электрон** I). *Электрон қобиқ.*

2 Электронлар хусусиятидан фойдаланадиган. *Электрон лампа. Электрон ҳисоблаш машинаси.*

ЭЛЕКТРОН IV Электрондан қилинган, электронли (*қ.* **электрон** II). *Электрон деталь.*

ЭЛЕКТРОНИКА 1 Фан ва техниканинг турли муҳитларда рўй берадиган электрон ва ион ҳодисаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, электрон мосламалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган соҳаси.

2 Электрон техника, электрон асбоб-ускуналар.

ЭЛЕКТРОНЛИ *айн.* **электрон** IV.

ЭЛЕКТР(О)ПАЙВАНД 1 Металларни электр оқими ёрдамида пайвандлаш, бириктириш.

2 *айн.* **электрод 2.** *Электропайвандлардан чиқаётган чарс-чарс олов кўзни қамаштиради.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ЭЛЕКТР(О)ПАЙВАНДЧИ Электропайванд билан шуғулланувчи ишчи-мутахассис. *Тўхтанг, нега кўзларингиз оқиб тушар даражага бориб қопти, электропайвандчимисиз?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭЛЕКТРОСКОП [электро.. + *юн.* skopeo – қарайман; текшираман] Электр зарядларни аниқлаш ва ўлчаш учун ишлатиладиган содда асбоб.

ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ [электро.. + станция] Электр энергияси ишлаб чиқарадиган корхона. *Агар сизлар шуни электростанция қилсаларинг, уч колхоз чароғон бўлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭЛЕКТРОСТАТИК Электростатикага оид, электростатика ҳодисаларидан фойдаланишга асосланган. *Электростатик майдон. Электростатик генератор.*

ЭЛЕКТРОСТАТИКА [электро.. + статика] Физиканинг барқарор, ҳаракатсиз электр зарядларнинг электр майдонини ва ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

ЭЛЕКТРОТЕРАПИЯ [электро.. + терапия] *тиб.* Электр оқими, электр ва магнит майдонларини даволаш мақсадларида ишлатиш, қўллаш.

ЭЛЕКТРОТЕ́ХНИК Электротехника мутахассиси.

ЭЛЕКТРОТЕХНИ́К Электротехникага оид; электр асбоб-ускуна ва машиналарни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш техникасига доир. *Электротехник саноат.*

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА [электро.. + техника] **1** Электр энергиясидан амалий мақсадларда фойдаланиш йўллари ва усуллари хақидаги фан. *Электротехникадан имтиҳон бермоқ.*

2 Техниканинг электр асбоб-ускуналар ва машиналар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғланган соҳаси. *Электротехника саноати.*

ЭЛЕКТРЧИ *с. т.* **1** Электромонтёр.

2 Электроте́хник.

ЭЛЕМЕНТ [*лот.* elementum – стихия, дастлабки, бошланғич модда] **1** *ким.* Кимёвий усуллар билан таркибий қисмларга ажралмайдиган, эркин ҳолатда энг содда модда (ҳозирги вақтда юздан ортиқ элемент маълум). *Нодир элементлар. Радиоактив элементлар.*

2 *қ.* **унсур 1**. *Иншоот элементлари. Пьесадаги драматизм элементлари.* ▬ *Масалда сатирик ва юмористик элементлар муҳим ўрин тутади.* «ЎТА».

3 *қ.* **унсур 3.** *Жамиятнинг прогрессив элементлари. Реакцион элементлар.* ▬ *Бу материал таъсирида кўпгина ички душман элементлар жазосини олди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

4 Кимёвий реакция ҳисобига электр оқими ҳосил қиладиган энергия манбаи. *Гальвани элементи. Қуруқ элемент.*

ЭЛЕМЕНТАР [*лот.* elementarius – илк, ибтидоий, дастлабки; бирор нарсанинг асосига тааллуқли] **1** Ибтидоий, бошланғич. *Элементар математика. Элементар маълумот. Агротехниканинг элементар қоидалари.*

2 Содда; жуда осон, оддий. *Элементар масала.*

3 *физ.* Энг кичик, энг майда. *Элементар зарра.*

ЭЛИК *айн.* **ёғупа.** *[Мунаввар]. Оқ рўмолчадаги қизил элик доғларини Йўлдошнинг тумшуғининг тагига тутди: -Бу қайси ойимчанинг лабидан юққан?* С. Анорбоев, Меҳр. *Қовоқлар яшил, лабларига қондай элик суртилган.* С. Нуров, Нарвон.

ЭЛИКИШМОҚ *айн.* **элакишмоқ.** *Болалар синфдан синфга ўтган, вояга етган сари бир-бирига эликишиб, ораларидан қил ҳам ўтмайдиган даражада иноқлашиб боришарди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ЭЛИКМОҚ 1 Эл бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ, иноқлашмоқ. *Биз бора-бора бирбиримизга шу қадар эликиб, ўрганиб қолдикки, асло ажралгимиз келмасди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

2 Эргашмоқ, илакишмоқ. *Рўзимуҳаммад Зинаидага эликиб, унинг орқасидан гоҳ у хонага чопар, гоҳ бу хонага кирар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЭЛИМОҚ Уйқу тортгандай, бўшашган ҳолатга тушмоқ. *-Аблаҳ, – деб шивирлади ва булут босиб турган дим ҳавода аста элиб, пинакка кетди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Бешикдаги Учқун.. Тозагулнишг бешикни бир меъёрда равон тебратишига элиди-да, ниҳоят., кўзларини юмиб, пишиллай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЭЛИТ [*фр.* elite – энг яхши, сара] Сара, энг яхши, сараланган. *Элит уруғлик. Элит қорамол.*

ЭЛИТА [*фр.* elite – энг яхши, сара] Селекция йўли билан олинган ва келажакда кўпайтириш учун мўлжалланган энг яхши, сараланган уруғ, ўсимлик ёки ҳайвон нави, тури.

Элита хўжалиги Энг яхши уруғлик ёки зотли молларни етиштириш билан шуғулланадигаи қишлоқ хўжалик муассасаси, станцияси.

ЭЛИТМОҚ 1 Элимоқ фл. орт. н. *Иссиқ, юмшоқ пахта қоплар, араванинг бешик син-*

гари тебратиши.. кеча уйқудан қолган Ғуломжонни элитди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳей, дўстим, бу чекишингда мени элитиб қўясан-ку..* Шуҳрат, Олтин зангламас.

2 *кўчма* Эс-ҳушини, ихтиёрини оғдирмоқ, шу ҳолатда ўзига жалб этмоқ. *Майнанинг гул баргига ўхшаш тиниқ юзи, қуюқ киприклари остидаги қора кўзлари навкарни элитиб қўйган эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЭЛЛАМОҚ *шв.* Қопламоқ, босмоқ, тутмоқ. *Холвайтарнинг ҳиди бутун мадрасани эллади.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЭЛЛИК I 50 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Эллик яшар одам. Эллик гектар ер. Оғирлиги эллик килограмм келадиган юк. Беш карра ўн эллик бўлади. Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор.* Мақол.

ЭЛЛИК II с. *т.* **1** Энли, сербар.

2 *айн.* **энли 2.** *Кўпдан кутилган қор тўрт эллик ёғиб, томларни оқартирган эди.* Ойбек, Навоий. *Стулларни бир эллик чанг босиб кетибди.* «Муштум».

ЭЛЛИК III Бирор элга мансуб бўлган. *Чет эллик меҳмон.*

ЭЛЛИКБОШИ *тар.* **1** Ўрта асрларда: қирқ-эллик отлиқ аскар бошлиғи.

2 Ўрта Осиё хонликларида кичик амалдор, оқсоқол. *Бир куни маҳалламизнинг элликбошиси шаҳарга бориб келиб: -Аканг осилди, ўз кўзим билан кўрдим, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭЛЛИПС [*юн.* elleipsis — камчилиги, нуқсони бор, қусурли] *мат.* Конус ёки цилиндрни унинг ўқига қия бўлган текислик билан қирққанда ҳосил бўладиган ёпиқ эгри чизиқ ва шундай шаклдаги нарса. *Тажриба жараёнида Кеплерда, сайёраларнинг орбитаси эллипс шаклидан иборат, деган доҳиёна фараз туғилди.* «Фан ва турмуш».

ЭЛЛИПСИС [*юн.* elleipsis — тушиш, туширилиш] *тлш.* Нутқ элементининг тушиб қолиши; эллипсис нутқда турли мақсадларда (мас., ихчамлик талаби билан) юз беради. Мас., *Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин* гапида «одам» сўзи эллипсисга учраган.

ЭЛЛИПСОИД [*юн.* elleipsis — камчиликли, нуқсонли + eidos — кўриниш] *мат.* Эллипснинг ўз ўқларидан бири атрофида айланишидан ҳосил бўладиган ёпиқ геометрик сирт.

ЭЛЛИПТИК [*юн.* elleiptikos — эллипсга оид] Эллипсга оид; эллипс шаклидаги. *Эллиптик шакл. Эллиптик орбита.*

ЭЛНАВКАР *айн.* **навкар.**

ЭЛОВЛАМОҚ *шв. айн.* **эловсирамоқ.** *Аламазон атрофга эловлаб боқди.* «Шарқ юлдузи».

ЭЛОВСИЗ *шв.* Эътибор берилмай, эътибордан четда. *Кўпдан эловсиз ётган Ҳайбатли чайир тўнка. Дадамнинг ҳам кучлари Етмаган экан унга.* Қ. Муҳаммадий.

ЭЛОВСИРАМОҚ *шв.* Уйқусирамоқ, довдирамоқ. *Бўрибой ёнбошига ағдарилди-да, эловсираб, боққа кўз югуртирди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЭЛОМОН *шв.* Тунги қоровул, соқчи.

ЭЛПАРВАР *айн.* **халқпарвар.**

ЭЛСЕВАР 1 Элни, халқни севадиган, яхши кўрадиган, ватанпарвар.

2 Дўстликни яхши кўрадиган; дўстона. *Элсевар ўзбек халқи.*

ЭЛТМОҚ 1 *шв.* Олиб бормоқ; ташимоқ. *Унинг имоси билан Маҳдини залдан олиб чиқиб, ётоқхонага элтиб қўйдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..аяларингга бир лаганда мантисомса, икки чойнак аччиқ чой элтиб бер!* К. Яшин, Ҳамза. *Оила бошлиғи Зуннунхўжа.. Сидиқжон далага уруғлик ва гўнг элтиб, ҳосил келтиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *шв.* Сиғдирмоқ; кетмоқ. *Челак ўн литр сув элтади.* ■ *Илгари канал тўғрисида гап борганда, Сидиқжон уни бирон тегирмон сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *қ.* **элитмоқ 1**. *Асрорқул келиб ўтирди. Унинг чакка томирлари чиққан, нафас олиши бежо эди.. Чилим элтгандир.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Иссиқ элтибди, ука. Энди тузалиб қоласиз.* С. Аҳмад, Таъзим. *Ўтирдилар бари, ёнбошда парқу, Бошин қўйса, кишини элтар уйқу.* М. Алавия, Севинчларим.

Ақлни элтмоқ Ақлни (эс-ҳушни) олмоқ. *Ширин ҳам ойдайин тўлган камоли, Ақлингни элтар ҳусну жамоли.* «Баҳром ва Гуландом».

ЭЛФУРУШ Ўз элини, ватанини сотувчи; ватанфуруш, сотқин. *..мол-мулк тўпловчи элфурушларнинг қадами тинди.* А. Мухтор, Азамат водий.

ЭЛЧИ 1 *дип.* Бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги диплома-

тик вакилларининг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Фавқулодда ва мухтор элчи.* ▬ *Аллақачонлардан бери бу давлатда элчимиз ҳам йўқ.* Газетадан.

2 *тар.* Шоҳ томонидан бирор топшириқ билан юборилган киши. *Хўжа Абдулло бошлиқ элчилар ундан рад жавоби олиб қайтдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Элчи пошшонинг чуқур маъноли гапига қойил қолиб, таъзим қилди.* «Латифалар».

3 *кўчма* Дарак берувчи нарса, белги. *Қиш элчиси — қарғалар қағиллай бошлади.* ▬ *Бинафшалар очилди Баҳор элчиси бўлиб.* Ю. Ҳамдам.

4 *кам қўлл.* Совчи. *Зебихонга элчи қўйиб юрилган вақтларда мингбоши бир сўз деган эмасмиди: Шуни қўлга келтирсам, бор-йўғимни тутаман..* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Совчи бўлдим икковингга данакор, Элчи-совчи бўлмайдикан гуноҳкор.* «Гулихиромон».

5 *ҳарб.* Урушаётган томонларнинг ўзаро музокара олиб бориш учун юборган вакили. *Элчига ўлим йўқ.* Мақол.

ЭЛЧИЛИК I Элчи иши, вазифа-лавозими.

ЭЛЧИЛИК II Бирор элга, халққа хос расм-русум, тартиб-қоидалар. *Хафа бўлмайсиз, элчилик.*

ЭЛЧИХОНА *дип.* **1** Элчи ёки бошқа биринчи даражали дипломатик вакил томонидан бошқариладиган дипломатик вакиллик. *Париждаги Ўзбекистон элчихонаси. Элчихона ходимлари.*

2 Шу вакиллик жойлашган бино. *Элчихонага бормоқ.*

ЭМ 1 Чечак ва баъзи бошқа касалликларнинг олдини олиш учун тери орқали юбориладиган зардоб ва уни тери орқали юбориш. *Тирсагидан юқорида олтинга босилган муҳрдек эм изи кўриниб турарди.* Мирмуҳсин, Яширинган куч.

2 Дори, дори-дармон; умуман, шифобахш нарса. *Доктор сақлаб қолди ўлимдан, Эми билан соғайдим отдай.* О. Юнус.

Эм бўлмоқ (*ёки* **тушмоқ**) Кор қилмоқ, шифо бўлмоқ. *Дори эм бўлди.* ▬ *Мол деган нозик бўлади. Ҳарна кинна эм тушган бўлсин.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ЭМАКДОШ 1 *эск.* Ҳамкасб, касбдош. *Одатда, иш юзасидан елкадош бўлиши керак бўлган ўртоқлар бир-бирларини буткул танимай, ўз эмакдоши қандай заҳмат чекаётганини билмай меҳнат қилади.* Газетадан.

2 *эск.* Ходим. *Ўша вақтларда Қориёқубов группа раҳбари, Ҳамза адабий эмакдош эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 *айн.* **эмикдош.** *Мендан аввал ўлмасин эмакдошим.. Жаллод, шудир сенга айтган нолишим.* «Ширин билан Шакар».

ЭМАКЛАМОҚ Икки қўл кафти ва икки тизза билан юрмоқ; ўрмаламоқ. *Бола эмаклаб юрибди. Солдатлар эмаклаб бориб, истеҳкомга яқинлашишди.* ▬ *Баланд том устида эмаклаб юриб, тунукачилар тунука қоқардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭМАЛЬ [*фр.* email – сир, силлиқ сирт] **1** *айн.* **сир** II **2, 3.** *Эмали кўчган кастрюлька.* ▬ *Эмаль ва лок цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати талабга жавоб бермайди.* Газетадан.

2 Тишнинг асосан минерал тузлардан ташкил топган қаттиқ ялтироқ қопламаси. *Эмаль тишни сақлайди.*

ЭМАН Ёғочи оқиш ва жуда қаттиқ, кенг япроқли, жигарранг узунчоқ мевали дарахт; дуб. *Эман дарахтининг эгилгани — сингани, Эр йигитнинг уялгани – ўлгани.* Мақол. *Эман стол.*

ЭМАНЗОР Эман дарахтлари билан банд бўлган ер.

ЭМАНСИПАЦИЯ [*лот.* emancipatio – озод бўлиш, озод қилиш] Озод бўлиш, озод қилиш, қутулиш; озодликка чиқиш, озодликка чиқариш; ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлиш. *Хотин-қизларни озод қилиш, яъни эмансипация деган гап Англияда ҳам, Францияда ҳам... барча мамлакатларда кўпдан бери бор.* А. Мухтор, Асарлар.

ЭМАС *тўлиқсиз фл.* Инкор, рад маъносини билдиради. *Яхши эмас. Борган эмасман. Ҳеч гап эмас. Ўша киши эмасмикин?* ▬ *Хизматкор – қул эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭМБАРГО [*исп.* embargo – тақиқлаш, ман қилиш] **1** Чет эл товарларини ёки валюта бойликларини киритиш ёки шундай нарсаларни мамлакатдан олиб чиқиб кетишни давлат томонидан тақиқлаш.

2 Чет давлатга қарашли кемаларнинг мамлакат портларига киришини давлат томонидан тақиқлаш ёки бошқа давлатга қарашли кемалар, юклар, қурол-яроғларни вақтинча тўхтатиб туриш.

ЭМБЛЕМА [*юн.* emblema – бўртма нақш, безак] **1** Бирор ғоя ёки тушунчанинг шартли ёки рамзий белгиси, рамзи. *Оқ каптар – тинчлик эмблемасидир.*

2 Бирор ташкилот, уюшма ва ш.к. нинг хос белгиси. *Ҳозирги ҳолида журнал эмблемаси, назаримда, кўнгилдагидек чиқмаган.* Газетадан.

ЭМБРИОЛОГ Эмбриология олими, мутахассиси.

ЭМБРИОЛОГИК Эмбриологияга оид.

ЭМБРИОЛОГИЯ [*юн.* embryon – пушт, ҳомила; куртак + logos – фан, таълимот] Биологиянинг одам, ҳайвон ва ўсимлик эмбрионлари ўсишини ва ривожланишини ўрганадиган бўлими.

ЭМБРИОН [*юн.* embryon – пушт, ҳомила; куртак] *биол.* Одам, ҳайвон ёки ўсимликнинг илк ривожланиш давридаги ҳолати; пушт, куртак; гумона (бачадондаги); куртак (уруғдаги). *Товуқларнинг рационида А витамини етишмаса, тухумдаги эмбрионнинг ривожланиши секинлашади ва жўжа очириш узоққа чўзилади.* «Ўзбекистон паррандачилиги».

ЭМГАК *эск.* **1** *айн.* **меҳнат.** *Сен учун даланинг чокини сўкдик, Бола ўстиргандек эмгаклар тўкдик.* Миртемир.

2 Заҳмат, қийинчилик. *Эмгак чекмоқ.* ▬ *Ўтиб бир қанча ойлар, бошлаб эмгак, Яна юрмоққа бошлаб, чекди эмгак.* Ҳабибий.

ЭМГАКЛАМОҚ *кам қўлл. қ.* **эмакламоқ**. *Бир куни бойваччалар мени эмгаклатиб, ҳангра, дейишди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ЭМГАКЧИ *шв.* Меҳнат қилувчи; меҳнатчи.

ЭМДИ *с. т.* Энди. -*Эмди доиранинг сатҳини ўлчашни ўргатинг, – деди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЭМИГРАНТ [*лот.* emigrans, emigrantis – кўчувви, кўчиб кетувчи] Ўз ватанини тарк этиб, бошқа мамлакатга кетиб қолган одам; муҳожир. *Сиёсий эмигрант.* ▬ *Аксарияти эмигрантлардан иборат йўловчилар пароход сатҳига чиқиб, теварак-атрофга кўз ташладилар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ЭМИГРАЦИЯ [*лот.* emigrare – кўчиб бормоқ (кетмоқ), кўчмоқ] **1** Бошқа мамлакатга кўчиш, кўчиб кетиш.

2 Шу мамлакатдаги ҳаёт. *Эмиграцияда яшамоқ.*

3 Бошқа мамлакатда яшовчи муҳожирлар, эмигрантлар.

ЭМИ-ДИМИ *этн.* Кинна солиш ва бошқа дуо, қоқиқ-суқуқлар билан даволаш. *Эми-дими қилмоқ.* ▬ *Абдурасул тўрт томонга зир югуриб, жийрон қашқани эми-дими қилдиради. Бироқ от от бўлмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭМИЗАК *айн.* **эмизгич.** *Онаси шўрлик кечаси билан ухламай кўтариб, аллалаб чиқади. Эмизак билан оғзига сут қуяди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЭМИЗГИЧ Бола, қўзичоқ ва ш.к. ни эмизиш учун ишлатиладиган сўрғичли идиш. *Болага эмизгич билан сут бермоқ. Тойчани эмизгич билан боқмоқ.*

ЭМИЗИК Эмизгичнинг оғизга олиб сўриладиган резинка қисми. *Бузоқ эмар экан, тумшуғи билан эмизикни тортиб-тортиб қўяр эди.* Н. Назаров, Замон.

ЭМИЗИКЛИ **1** Бола эмизадиган, эмадиган боласи бор. *Эмизикли хотин. Эмизикли қўйларни парвариш қилиш.* ▬ *Эмизикли оналар оёғига горчицали ванна яхши ёрдам беради.* Газетадан.

2 Эмадиган, кўкракдан ажралмаган. *Янги туғилган чақалоқ ва эмизикли бола учун энг тўйимли овқат она сути ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

ЭМИКДОШ Бир онани эмишган (ака-ука, ака-сингил, опа-сингил). *Бир синглим бор – менинг билан эмикдош, Синглимга арзимни етказ, ёлгиз ғоз.* «Алпомиш». *Эмикдош акамга ўхшар юзларинг.* «Эрали ва Шерали».

ЭМИН [*а.* امين – ишончли; пок, софдил; хавф-хатарсиз; сақловчи; нозир] *кам қўлл.* Хавфсиз, омон, тинч. *Деву парининг зиёнидан эмин бўлиш учун ўзингни ўқитиб юр.* «Муштум».

ЭМИН-ЭРКИН Эркин, тинч ҳолатли; ўзини бемалол, тортинмай эркин тутган ҳолатда. *Бизнинг бояги эмин-эркин суҳбатимиз барҳам топди.* Газетадан. *Аям ўзини эмин-эркин тутар, бизнинг ортиқчалигимизни сездирмасликка ҳаракат қилар эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭМИССИОН I *мл.* Эмиссияга оид (*қ.* **эмиссия** I); қимматли қоғозлар, қоғоз пуллар чиқарадиган ва уларни ишга соладиган. *Эмиссион банк.*

ЭМИССИОН II *физ.* Эмиссияга оид (*қ.* **эмиссия** II); эмиссия ҳодисаси билан боғлиқ бўлган. *Эмиссион жараён.*

ЭМИССИЯ I [*лот.* emissio – чиқариш] *мл.* Пул ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

ЭМИССИЯ II [*лот.* emissio – нур сочиш, ёйилиш, тарқалиш] *физ.* Қиздирилган ёки ташқи электр ва магнит майдонлар таъсири остидаги жисмлар сиртидан зарраларнинг отилиб чиқиши, чиқарилиши. *Термоэлектрон эмиссия.*

ЭМИШ *тўлиқсиз фл.* От ва феъл шакллари билан келиб, бевосита ўзи кузатганлик, эшитиб билганлик каби маъноларни билдиради. *Тушимда бутун дунёни сув босган эмиш. Эртага меҳмонлар келар эмиш.* ▬ *Султон ҳазратларининг ўзлари ҳам оташнафас шоир эмишлар.* Ойбек, Навоий.

ЭМЛАМОҚ 1 Юқумли касалликларнинг олдини олиш учун одам ёки ҳайвон организмига тери орқали зардоб юбормоқ. *Чечакка қарши эмламоқ. Тифга қарши эмламоқ.* ▬ *Куни билан уйма-уй югуриб касал боқар, мактаб болаларини эмлар, узоқ тоғ қишлоқларига отда бориб, касалларга ёрдам кўрсатар эди.* А. Мухтор, Чинор.

2 *эск.* Кинна, дуо ва бошқа қоқиқ-суқуқлар билан даволамоқ. *Саройбон бир қайроқни унга булғаб олиб келиб, Неккадамнинг бошига суртиб, эмлаб: -Бой ака! Қулингизнинг боши тошдан бўлсин, – деди.* С. Айний, Қуллар.

ЭММОҚ 1 Эмчакдан ёки сўрғичдан сут сўриб ичмоқ. *Қўзичоқ онасини эммай қўйди. Яхши бузоқ икка онани эмади.* Мақол. ▬ *Энангни ийдириб эмгин, Бойчибор!* «Алпомиш». *Оч чақалоқ соғинган маммасини апил-тапил эма бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кўчма* Ўзига сингдирмоқ, олмоқ. *..ёмғир сувини эмиб тўйган ер эркин-эркин нафас оларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *..гулларидан асаларилар бол эмаётган мевазор боғлар бошланди.* «Гулдаста».

Ит эмган *қ.* **ит 1. Хом сут эмган банда** (*ёки* **инсон**) Ҳар ким ҳам хато қилиши мумкин, деган маъно билдирувчи ибора. *Лекин хом сут эмган банда хатосиз яшай олмас экан.* Газетадан.

ЭМОЦИОНАЛ Эмоция жиҳатдан бўлган, эмоцияга оид; эмоция, ҳис-туйғу ифодаловчи. *Ҳажвий кулги – танқиднинг эмоционал шаклидир.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси. *Режиссёр спектаклнинг эмоционал ривожини бошқариш.. учун саҳна қисмларидан фойдаланади.* Газетадан.

ЭМОЦИОНАЛЛИК Эмоционал белги, хусусият; шундай белги-хусусиятга эгалик. *Санъат бошқа фанлардан эмоционаллиги билан ажралиб туради.* «Саодат». *Давр проблемасининг ўзига хос бадиий талқин этилиши.. тасвир услубининг содда ва эмоционаллиги билан роман китобхонлар қалбидан жой олган.* О. Тоғаев, Олтин зангламас.

ЭМОЦИЯ [*фр.* emotion < *лот.* emovere – ҳаяжонга солмоқ, тўлқинлантирмоқ] Ташқи ва ички қўзғатувчилар таъсири натижасида одам ва ҳайвонларда пайдо бўладиган руҳий кечинма; ҳис, туйғу; ҳис-ҳаяжон; қўзғалиш. *Кучли эмоция. Эмоцияга берилмоқ.*

ЭМПИРИЗМ [*юн.* empeiria – тажриба] **1** *флс.* Тажрибага асосланган идрокни, яъни ҳиссий идрок ва тажрибани билишнинг бирдан-бир манбаи деб биладиган ва назариянинг аҳамиятини инкор қиладиган фалсафий таълимот, йўналиш.

2 Назарияни камситиб, фақат амалий ишга, тажрибага берилиш, қуруқ амалиётчилик.

ЭМПИ́РИК Эмпиризм тарафдори.

ЭМПИРИ́К 1 Эмпиризмга оид. *Эмпирик фалсафа.*

2 Тажрибага асосланган, тажрибадан олинган. *Эмпирик формула.*

ЭМПИРИОКРИТИК Эмпириокритицизм тарафдори.

ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ [*юн.* empeiria – тажриба + kritike (techne) – танқидий муҳокама қилиш санъати] *флс.* Фалсафада 19-аср охирида пайдо бўлган, моддий дунёнинг объективлигини инкор этиб, материяни онгнинг маҳсули деб қарайдиган субъектив-идеалистик оқим.

ЭМРАНМОҚ *шв.* Бирон қайғули, кўнгилсиз воқеа, хабардан озор чекмоқ; ўртанмоқ. *Бошдан давлат кетса, тувғон эмранар.* Мақол. ▬ *Кўргандан эмранди тандаги жоним.* «Равшан». *Гул кетар бўлса, гулистон эмранар.* «Алпомиш».

ЭМУЛЬСИЯ [*фр.* emulsion < *лот.* emulgere – соғиб олмоқ (дастлаб ўрганилган эмульсиялардан бири сут бўлган] **1** Бир-

бирида деярли эримайдиган икки суюқликнинг бири иккинчисида жуда майда томчилар ҳолида муаллақ сузиб юрадиган аралашмаси (мас., ёғ томчиларининг сувдаги қоришмаси эмульсиядир). *Экинларга эмульсиялар пуркаш. Станокни эмульсия билан совитиш.* ▬ *Ультратовуш тебранишлари ёрдами билан ҳар хил эмульсиялар ҳосил қилинади.* «Физика».

2 Фотоплёнка, фотоқоғоз ёки фотопластинка бетига суртилган ёруғлик сезувчи қатлам.

ЭМФАЗА [*юн.* emphasis – ифодалилик, тасвирийлик] Нутқда бирор гап ёки унинг бўлакларидан бирини таъкидлаб талаффуз қилиш.

ЭМФИЗЕМА [*юн.* emphysema – бўртиш, шишиш, қаппайиш] *тиб.* Киши организми тўқимасида ёки бирор аъзосида ҳавонинг тўпланиб қолиши натижасида шу аъзонинг шишувидан иборат касаллик. *Ўпка эмфиземаси.*

ЭМЧАК 1 Аёллар кўкрагидаги ҳар икки сут безлари ва уларнинг ҳар бири. *Эмчак учи.*

2 Сутэмизувчи ҳайвонлар сут безларининг эмиладиган, соғиладиган учи. *..тирсиллаб турган оппоқ елини сонларига шалоп-шалоп урилар, ўрта қўлдай йўғон-йўғон тарвақайлаб кетган эмчакларидан йўл-йўлакай сут тиз-тиз тирқирарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Эмчакдан ажратмоқ (*ёки* **айирмоқ, чиқармоқ)** Гўдакни эмизмай, бошқа овқатлар билан боқа бошламоқ. *Эмчакдан ажралган бир неча болага қараб туриш учун.. рўзғордан бир хотин чопиққа чиқмаса ҳақлидир.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Йўқ, бу совлиқларнинг қўзилари ўтга ўрганиши биланоқ эмчакдан ажратаман.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭМЧАКДОШ *айн.* **эмикдош.** *Қавмим йўқ, Равшанжон, қариндошим йўқ. Сир айтайин десам, эмчакдошим йўқ.* «Равшан».

ЭМЧИ 1 Эмловчи табиб, врач, ҳамшира.

2 *этн.* Эми-дими, дуо, қоқиқ-суқуқлар билан даволовчи табиб. *Бир ман ўзим қоқимчи, Ҳам эмчиман, аласчи.* Ҳамза.

ЭН 1 Нарсаларнинг кўндаланг йўналишдаги катталиги; кенглиги. *Уйнинг бўйи ва эни. Эни бир метр, бўйи икки метр келадиган гилам.* ▬ *Энига йигирма олчин жой олган ўн беш даричали каттакон чорхари уй ичида эллик чоғли бек йигитлари гулхан солиб ўтирар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бўйра эни Бир бўйра ҳажмига тенг ўлчов бирлигини (ҳажмни) билдиради. *..уйнинг орқа девори бир бўйра эни кесиб туширилган бўлиб, қорайиб кўринар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўрт бўйра эни келадиган ҳовлисига ўн хилга яқин экин экади.* «Муштум». **Икки эн** Икки бўлак нарсадан энига улаб қилинган. *Икки эн кўрпа.* **Эн** (*ёки* **энига) тортмоқ** Кенгаймоқ, йўғонлашмоқ. *Умурзоқ ота пўстлоғи эн тортиб, танаси ковак бўлиб кетган кекса толга суяниб ўтирибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *У [Давронов] семириб, юзлари қизариб кетган, новча бўйи энига тортган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир кийимлик газлама. *Аҳмад ўзи учун бир жоди, бир тарғил сигир, бир кийимлик эн олди.* Газетадан.

3 Белги, тамға (адаштирмаслик учун қорамол ёки қўй қулоғида ҳосил қилинган кесик).

Эн солмоқ Молнинг ёки қўйнинг қулоғини кесиб, кертик қилиб қўймоқ.

ЭНА *шв.* Она. *Кейин бораман девдим, энам: -Қўй ўша ўқишингни. Биззи зотда олим чиқмаган сира, – деди.* С. Нуров, Нарвон.

ЭНАГА Кимсанинг боласини тарбиялаб катта қилган хотин. *Икки энага сарполарини кўтариб, Зуҳра орқасидан кириб келдилар.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра. *Келишувга биноан, Йигитали қизчани ҳар куни соат бирлардан кейин янги энага қўлига келтириб берадиган бўлди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ЭНАМОҚ *шв. айн.* **эн солмоқ** *қ.* **эн 3.**

ЭНАҒАР *шв.* Онағар. *Юрган йўлинг баланд тоғдир, энағар! Ошиқни биз билан ўйна, баччағар!* «Гўрўғли».

ЭНГ Белгининг юқори, ортиқ даражасини билдирувчи сўз. *Энг чиройли. Энг баланд. Энг муҳими.* ▬ *Халқ кўзида бу – энг қора, энг мудҳиш, энг золим маҳкама эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ишда Қурбон отага биринчи бўлиб қўл бермоқчи бўлган одамларнинг энг биринчиси Абдусамадқори эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭНГАК *айн.* **ияк**. *Ётоқхона олдига келганимизда, қулоқчинини энгагидан боғлаб олган бир бола қаршимиздан чиқиб қолди.* Ў. Умарбеков, Шонли авлод. *Икки-уч қадам илгарилаб, ўнг қўли билан энгагини силаб туриб ўйланиб қолди.* С. Кароматов, Олтин қум.

Энгак қоқмоқ Кўрсатиш, ишора қилиш мақсадида ияги билан им қоқмоқ, шу мақсадда иягини ҳаракатлантирмоқ. *Саидғози.. ёнида турган Зубайданинг тирсагидан ушлаб, олдимга туш, дегандай энгак қоқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭНГАШМОҚ 1 Белни букиб, тананинг юқори қисмини қуйи солмоқ; эгилмоқ. *Ғуломжон чиройли қаддини букиб, онаси устига энгашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Энгашиб, палакларни титиб қарасанг, тугунак, сапча, хомаклар қийғос..* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Оғмоқ, қийшаймоқ. *Минора энгашиб қолибди.* ▬ *Арава миниб келган Тожибой от устида, девордан энгашиб тушган гилос шохини қайириб турганида, Лутфихон чиқиб қолди.* С. Аҳмад, Муҳаббат.

ЭНГИЛ *айн.* **кийим.** *Эгнига энгил битмаган шўрпешона, тўпори, қашшоқ деҳқон..* К. Яшин, Ҳамза. *Болам, устингдаги ҳарбий кийимни ечиб, бошқаларини кийиб ол, ўзим сенга бирам чиройли энгиллар олиб қўйганман.* Газетадан.

ЭНГИЛ-БОШ Бир сидра кийим ва пойабзал; уст-бош. *Энгил-боши бут.* ▬ *..бирин-кетин энгил-бошлари шалаббо ишончли йигитлар жам бўлдилар.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Зорий Хиванинг атоқли уламоларидан.. энгил-бошига қарамас, аксар девонавор кийимда юрарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭНДИ *рвш.* **1** Сўз бораётган пайтда; ҳозир. *Энди дераза ортидан тол новдалари қудратли чинор каби тебраниб турарди назарида.* С. Кароматов, Олтин қум. *Навзамбилло! Танканинг ойнаси бўлишини энди эшитиб турибман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Сўз бораётган пайтдан кейин, бундан буён. *Мана, энди саройдан бутунлай этак силкиди-ю.. унут бўлаёзган эски дўконга келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мен сизнинг кўрпачангизга кўп ўтирганман, энди менга ортиқча такаллуфингизнинг ҳожати йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нима деяпсан? — Рост, Мунис энди йўқ.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 *(урғу биринчи бўғинда)* Ҳаракат-ҳодисанинг ҳозиргина юз бериши, бошланишини, юз берганига (бўлганига) ҳали ҳеч қанча вақт бўлмаганини билдиради. *-Э, энди одамнинг бадани қизувди-да, — деб қўл силтади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Энди дераза ёнига етганида, куйга худди торларнинг ўзидай тиниқ бир овоз қўшилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Болани энди ерга қўймоқчи бўлиб турганда, Сабогул етиб келди.* С. Кароматов, Олтин қум.

4 Ҳаракат-ҳодисаларнинг давомлилиги, кетма-кетлигида сўнггисини, навбатдагисини билдиради. *Тўғри топдинг, худонинг суюкли бандаси.. Мен шоир Авазман. Энди мендан тингла, йигит!* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Ахир нега кетмаслигингиз керак? — Шерали энди шахдамроқ гапира бошлади.* С. Кароматов, Олтин қум.

5 *юкл. взф.* Маънони кучайтиради, таъкидлайди. *Нега энди уларнинг бошларига тикилган балоларни, кулфатларни даф қилмаймиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Билмадим энди. Бир суриштириб кўриш керак, ёши нечада экан?* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Қани энди Хоҳиш-истакни кучайтириб ифодалайди. *Қани энди ҳаётдаги саноқсиз эҳтимолларнинг барисига жавоб топиш мумкин бўлса.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қани энди бунинг уддасидан чиқсанг.* Т. Ашуров, Оқ от.

ЭНДИГИ 1 Сўз бораётган пайтдаги, вақтдаги; шу пайтга тегишли; ҳозирги. *Мен энди дунёдан ўтаёзган бир киши, эндиги мансабларга унча қизиқа олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Сўз бораётган пайтдан кейин ёки ўша пайт ҳозир бўладиган; навбатдаги, бундан кейингиси. *Эндиги хатни ниҳоятда эҳтиёт билан, нусхага қараб ёздиришни кўнглидан ўтказди-да.. Содиққа деди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭНДИЛИКДА Ҳозир, ҳозирги вақтда; бугунги кунда; ҳозир ва бундан кейинги вақтларда. *Эндиликда она замин жавоҳиротларидан 92 турдаги минерал хомашёлар олинмоқда.* Газетадан. *Эндиликда биз, ёзувчилар ана шу талаблар асосида ижод қилмоғимиз керак.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ЭНДОКРИНОЛОГ Эндокринология мутахассиси, шу соҳадаги олим ёки шифокор.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ [*юн.* endon — ички, ичида + krino — ажратаман + logos — фан, таълимот] *физиол. тиб.* Эндокрин система аъзоларининг тузилиши ва вазифа-

ларини, ишлаб чиқарадиган гормонларини, шунингдек, уларнинг фаолияти бузилиши туфайли келиб чиқадиган касалликлар, уларнинг диагностикаси, даволаш усуллари ва олдини олишни ўрганадиган клиник тиббиёт соҳаси.

ЭНДОСКОПИЯ [*юн.* endon – ички, ичида + skopeo – кўраман, қарайман] *тиб.* Махсус асбоб – эндоскоп ёрдамида бевосита кўриш орқали организмнинг ички ковак аъзоларини, тана бўшлиқларини ҳамда найчасимон тузилмаларини ўрганиш, текшириш усули.

ЭНДШПИЛЬ [*нем.* Endspiel < Ende – охир, ниҳоя + Spiel – ўйин] Шахмат ёки шашка партиясининг охирги қисми; *қиёсланг*: **дебют.** *Пиёдали эндшпилларни ўрганиш мураккаб ҳисоблар юритишни осонлаштиради, шахмат ҳаваскорларининг ўйин маҳоратини оширади.* М. Муҳиддинов, Пиёдали эндшпиллар.

ЭНЕОЛИТ [*лот.* aeneus – мис, бронза + *юн.* lithos – тош] Неолитдан бронза даврига ўтиш даври (бу даврда дастлабки мис асбоблар пайдо бўла бошлаган). *Калтаминор маданиятининг ёдгорликлари неолит ва энеолитга.. оид бўлиб, жуда ҳам кенг территорияга тарқалган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ЭНЕРГЕ́ТИК Энергетика мутахассиси. *Ёш энергетиклар ҳам уларга тенглашиб.. астойдил меҳнат қилмоқдалар.* Газетадан.

ЭНЕРГЕТИ́К Энергетикага оид; турли кўринишдаги энергия ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган. *Энергетик ресурслар. Қишлоқ хўжалигининг энергетик базаси.* ▬ *Нефть ва газ бизнинг асримизда энг зарурий энергетик хомашё бўлиб қолди.* «Фан ва турмуш».

ЭНЕРГЕТИКА [*юн.* energeia – ҳаракат, фаолият] Фан, техника, саноат ва умуман халқ хўжалигининг турли кўринишдаги энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган соҳаси. *Қишлоқ хўжалиги энергетикаси. Мамлакат энергетикаси.* ▬ *Энергетика – ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.* Ш. Рашидов, Дўстлик байроғи. *Эндиликда Андижон вилояти қудратли энергетика базасига эга.* Газетадан.

ЭНЕРГИЯ [*юн.* energeia – ҳаракат, фаолият] Материянинг асосий хоссаларидан бири, материянинг ҳаракатланиши, иш бажара олиш қобилиятининг мезони; қувват. *Механик энергия. Атом энергияси.* ▬ *Инсон организмининг яшаши учун маълум даражада энергия зарур.* «Фан ва турмуш». *Фарҳод ГЭСи Тошкент энергия системасига уланди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЭНЕРГОБЛОК [энергия + блок 4] Электр энергияси ишлаб чиқарадиган станциянинг ҳар бир мустақил қисми. *Навоий ГРЭСида ҳар бири 25 минг киловатт қувватли иккита дастлабки энергоблок фойдаланишга топширилди.* Газетадан.

ЭНИШ *шв.* **1 Энмоқ** фл. ҳар. н. *Тоғдан эниш.*

2 Пастлик, чуқурлик. *Қурбон салласини ечиб қимирлатди ва энишга сакраб тушиб кетди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Бир оздан сўнг Эрназар полвон неварасини энишдан чиқаверишда кўрди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЭНКАЙМОҚ Энгашмоқ, букчаймоқ, қуйи солинмоқ. *Энкайган чол. Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка еткунча, Энкайганга энкайгин бошинг ерга теккунча.* Мақол. ▬ *[Гулнор] Узун гўзал сочларини осилтириб, энкайиб, уйни супура бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди тарқалаётган оломон тўхтади, ерда энкайиб ётган девонага қаради.* К. Яшин, Ҳамза. *Ориқ.. кийимлари жулдур деҳқонлар омоч ортида энкайиб, ҳорғин ер ҳайдайдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ЭНКА-ТЕНКА*:* **энка-тенкасини қуритмоқ** *(ёки* **чиқармоқ***) айн.* **энка-тинкасини қуритмоқ** (*ёки* **чиқармоқ**) *қ.* **энка-тинка.** *Савол устига савол ёғдира бериб, энка-тенкамни қуритади.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. *Эшигининг тагига одам тўплай бериб, ўзининг ҳам энка-тенкасини чиқариб юбордик.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЭНКА-ТИНКА: энка-тинкасини қуритмоқ (*ёки* **чиқармоқ)** Жуда безовта қилмоқ, ҳолдан тойдирмоқ. *Кузак оёқлаган кезлари йиғим-терим кишиларнинг энка-тинкасини қуритиб юборади.* «Ёшлик». *Шанба куни Қўтирдала томонда кўтарилган чанг одамларнинг энка-тинкасини чиқариб юборди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ЭНЛАМОҚ 1 Энини ўлчамоқ. *Атласни энлаб кўрди.*

2 Сатҳини, юзасини қопламоқ. *Фабрикадан чиқаётган гиламлар уйни энлаб, чўғдай ёниб турса, қайси кўз қувонмайди.* Г. Нуриллаев, Гўзаллик оламида. *У очиқ кўкрагини энлаб турган оппоқ соқолини панжалари билан таради.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

ЭНЛИ 1 Кенг; сербар. *Энли камар. Энли газлама.* ▬ *Унинг энли қошлари чимирилди, кўзларига ташвиш, жиддият чўкди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Терак бўйи келадиган девор жуда энли эди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бармоқ кенглигидаги. *Пўлат икки энли келмайдиган тор пешонасини тириштирди.* «Ғунча». *Бўсағани тўрт энли тупроқ қоплаган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭНЛИК 1 *айн.* **энли 1**. *Козим белидаги энлик камарини ечиб, портфелини қўлига олди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 *айн.* **энли 2.** *Шайхнинг чап юзида икки энлик чандиқ..* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *айн.* **элик**. *Ҳаёт одатдагича пардозсиз эди. Кўзларида на сурма, бетларида на энлик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭНМОҚ *шв.* **1** Паст (қуйи) томон йўналмоқ; тушмоқ. *Тарлон пастга энаётганда, олд оёқлари букилиб, йиқилиб кетайин деди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Келинчак чорраҳадан ўтиб, паст кўчага эниб кетди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Собир.. йигитча ортидан пастга энаркан, оёғи тортмаётганини ҳис этди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Тегмоқ, қўнмоқ, ўтирмоқ. *..тўлқин зарралари соҳил устида учиб, садақайрағочларнинг яланғоч шох-бутоқларига энади.* Й. Шамшаров, Тошқин. *..лабларига энган кўз ёшларини ялаб, ув тортди аёл.* Н. Қиличев, Устун.

3 Пайдо бўлмоқ, кирмоқ. *Қозиғига мол боғланган хонадонга барака энади.* С. Нуров, Нарвон. *Мезон шамолини еган сапчаларга ҳам шира энади.* С. Нуров, Нарвон. *Мамасаид эрмисан эрдай бўлиб, вужудига куч эниб.. бахт қушининг бошига қўнмоқчи бўлаётганидан ўзида йўқ шод.* Т. Сулаймон, Интизор.

ЭНСА Одам бошининг орқа пастки қисми; энса суяги. *Чойхоначи дўпписини пешонасига суриб, энсасини қашиди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Энсаси қотмоқ Ёқимсиз гап, иш, хатти-ҳаракат, ҳолат ва ш.к. дан ғаши, ғазаби қўзғамоқ; аччиғланмоқ. *Ойимнинг гапларига бувимнинг энсаси қотибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *[Элмурод] Мурзиннинг бу томонга келаётганини кўрди-ю, энсаси қотиб, қиздан йироқлашди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У қилиб юрган ишларни кўрган одамлар энсаси қотар, бир тамагир.. расво эканлигидан ғазабланардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЭНСАҚОТАР Энсани қотирадиган; ёқимсиз, бемаза. *Энсақотар гап.*

ЭНСИЗ Эни унча катта бўлмаган; камбар, тор. *Энсиз мато. Энсиз тахта. Энсиз тош йўл.* ▬ *Эгнида тўқ зангори кўйлак, нозик белига энсиз тилла камар боғлаган.* С. Сиёев, Аваз.

ЭНТАК-ТЕНТАК Пойма-пой, тутуруқсиз. *-Менинг энтак-тентак сўзларимдан бой талмовсираб қолди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Энтак-тентак юрмоқ (*ёки* **қадам босмоқ**) Нотекис қадам ташлаб юра бошламоқ, зўрға бир-икки одим ташлаб юрмоқ, атак-чечак қилмоқ.

ЭНТИКМОҚ 1 *айн.* **хўрсинмоқ.** *Давлатёр қаттиқ энтикиб олди: -Йўқ, гаплашиш жуда қийин.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кумуш кўзини юмди-да, энтикиб қўйди,* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳаво етишмаётгандек қийналиб, тез-тез нафас олмоқ, нафаси оғзига тиқилмоқ. *Наримон узоқ жойдан чопиб келган одамдай энтикар, бўғиқ овоз билан гапирар, кўзлари олазарак бўлиб, атрофга қаради.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Орқадан бировнинг бўғиқ нафаси, энтикиб ҳансирагани эшитилди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 Жуда иштиёқида бўлмоқ; орзиқмоқ. *Тезроқ уйга етиб бориб, Жамил Каримович сўзларини эрига бирма-бир айтиб беришга энтикарди.* Мирмуҳсин, Нуқра. *Биз баъзида хом-хатала шеър ёзиб.. газетада босиб чиқаришга энтикамиз.* Газетадан. *Лекин у барқ уриб, мангу очиладиган фурсат қачон келишини энтикиб кутарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЭНТОМОЛОГ Энтомология мутахассиси. *Очилнинг группасига ёзилган энтомолог ҳовлиқмароқ эканми, ваҳима қилиб юборди: сариқ офат [чигиртка] Каспийдан Тянь-Шан-*

гача минглаб километр масофани эгаллаганмиш. А. Мухтор, Чинор.

ЭНТОМОЛОГИЯ [*юн.* entomon – ҳашарот + logos – фан, таълимот] Зоологиянинг ҳашаротларни ўрганувчи бўлими.

ЭНЦЕФАЛИТ [*юн.* enkephalos – мия + *лот.* itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Бош миянинг яллиғланиши.

ЭНЦЕФАЛОГРАММА [*юн.* enkephalos – мия + *лот.* grapho – ёзаман] *тиб.* Бош мияни рентгенографик текшириш усули.

ЭНЦИКЛОПЕДИК Энциклопедияга оид; энциклопедия доирасидаги; ҳамма илм-фанларни ўз ичига оладиган; қомусий. *Энциклопедик луғат. Энциклопедик билимга эга бўлган одам.*

ЭНЦИКЛОПЕДИСТ [*фр.* encyclopediste < *юн.* enkyklios paideytes – кенг фанлар доираси бўйича мураббий] **1** *тар.* 18-асрда яшаган, илм-фаннинг кўп соҳаларини эгаллаган илғор француз олимлари, файласуфлари, ёзувчилари ва публицистлари гуруҳига мансуб киши (бу гуруҳ 1751–1780 йилларда «Энциклопедия» тузган ва нашр этган).

2 Энциклопедия тузиш ишлари мутахассиси; энциклопедиячи, қомусчи. *Бизда энциклопедист ихтисосини севадиган талантли ёшлар ишлайди.* И. Мўминов, Ўлкамиз кўзгуси.

3 *айн.* **энциклопедик, қомусий.** *Машҳур энциклопедист олим Абу Али ибн Синонинг бизгача етиб келган тиббий рисолалари, «Тиб қонунлари»дан ташқари, 31 тага етади.* Газетадан.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ [*фр.* encyclopedie < *юн.* enkyklopeideia – кенг билимлар доираси] Илм-фаннинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган ёки бирор соҳа бўйича кенг, тўлиқ маълумот берадиган луғат тарзидаги илмий ёки илмий-оммабоп нашр, тўплам; қомус. *Ўзбекистон миллий энциклопедияси.*

Жонли энциклопедия Ҳамма фанларга оид маълумотларга эга бўлган киши.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯЧИ *қ.* **энциклопедист 1, 2.**

ЭНЧИ Ота томонидан фарзандга ажратиб берилган жонивор, бош мол. *Унинг Алпомишга энчи бир тарлон бияси бор эди.* «Алпомиш». *Менинг ўзимнинг энчи отим ҳам Бойчибордан кам эмас.* «Ёдгор».

ЭП *кам қўлл.* Бажариш, уддалаш қобилияти. *-Айтмоқчи, – деди Тешабой бирдан жонланиб, – Ғулом қорини тушира қолсангиз қалай бўлади, эпи ҳам тузук.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Эп билмоқ Ўзига маъқул, муносиб билмоқ (асосан бўлишсиз шаклда қўлланади). *Анвар ваъда бериб қўйишни эп билмаганликдан сўзсиз ўтирар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Индамай хонага кириб кетишни Ғайрат ўзига эп билмади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. **Эп бўлмоқ** Маъқул, ўринли бўлмоқ, тўғри келмоқ. *Сизга бундай бепошна гаплар эп бўлмайди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Ўзига эп бўлса қизим, Зўрлик қилиб тортиб олсин.* «Баҳром ва Гуландом». **Эп келмоқ** Маъқул бўлмоқ, тўғри келмоқ. *Туркманнинг тўй қоида-расмини яхши биласиз, элга эп келгудай тўйни олиб бора беринг.* «Бўтакўз». *Шу йўлларнинг қайси бири маъқул? Қайси бири эп келади? Қайси бирини қилсам, ўзимга хайрият бўлади?* Чўлпон, Кеча ва кундуз. **Эп кўрмоқ** *айн.* **эп билмоқ.** *Ҳотам ортиқча ади-бади айтиб ўтиришни эп кўрмади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Тўтиқиз, отаси ҳар қанча ёмон бўлганда ҳам, юзига нафрат ёғдиришни ўзига эп кўрмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Эпга келмоқ** Дуруст, маъқул ҳолатга келмоқ; яхши бўлмоқ. *Автобуслар тушсин тартибга, Тўхтар жойлар келсин бир эпга.* Ў. Рашид. *Танбеҳ билан эпга келмаганларни идорага ёзиб топширадилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Эпга олмоқ** (*ёки* **солмоқ**) Мақбул, дуруст ҳолга келтирмоқ. *Поёнсиз қирларнинг.. уларнинг димоғига искатган даво ислари, ёқимли ҳидлари ҳар қандай ишдан чиқаёзган ҳаёт эгасини озгина бўлса ҳам эпга ола биладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Эпи келмоқ** Уддасидан чиқмоқ; машқини олмоқ; ўрганмоқ; эплай оладиган бўлмоқ. *Отда юришга эпи келиб қолгандай эди – энди оғмаяпти ҳам, сурилмаяпти ҳам.* С. Анорбоев, Меҳр. **Эпини қилмоқ** Йўл топа олмоқ, иложини қилмоқ. *Нимаики керак бўлса.. айтишаверсин. Бу орада эпини қилолмасам, шаҳар бор, хўпми?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аҳволимиз сизга равшан.. – Бир эпини қилса бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭПАШАНГ Лапашанг, лаванг. *..марди майдонларни халқимиз чин юракдан табриклайди, фурсатни қўлдан бераётганларга,*

нўноқ, эпашангларга ўзининг нафратини билдиради. Газетадан.

ЭПАҚА: эпақага келмоқ (*ёки* **тушмоқ)** *айн.* **эпга келмоқ** *қ.* **эп**. *Хўжалик эпақага келди. Бола шўхлигини ташлаб, анча эпақага келиб қолди.* ▬ *Бир неча вақт ўтгандан кейин Ғиёс эпақага тушиб, ҳақгўй, тўғри бўлиб қолди.* Ф. Мусажонов, Ғамхўр. **Эпақага солмоқ** (*ёки* **келтирмоқ, олмоқ**) *айн.* **эпга олмоқ** (*ёки* **солмоқ**) *қ.* **эп**. *Хўжаликни эпақага келтирмоқ.* ▬ *Хуллас, мулла Обидни бошда эпақага олиш, одамшаванда қилиш Тиктепа меҳнаткашлари учун арзонга тушмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Йўқ, кейин танқид қила-қила, эпақага келтирдик.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЭПАҚАЛИ 1 *айн.* **эпли 1**. *Эпақали бола.*

2 Эпақага келадиган, белгили тартиб, талаб чегарасидаги, жўяли. *Лолахон эпақали сўз топиш ҳаракатида эди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Энди Абдураҳмон ўзининг.. истиқболида ҳам эпақали бир ҳол тасаввур қилолмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЭПИГРАММА [*юн.* epigramma – уст(идаги) ёзув; кичик ҳажмли шеър] **1** Ҳайкал, ёдгорлик, бино, совға устига ёзилган ва унинг мазмун-моҳиятини тушунтирадиган ёзув.

2 *ад.* Кичик ҳажмли, ўткир (аччиқ) ҳажвий шеър. *Унинг ҳажвий ҳикоялари, шеърий фельетонлари, эпиграмма ва комедияларини китобхонларимиз яхши билишади.* О. Шарафиддинов, Ижод самараси.

ЭПИГРАФ [*юн.* epigraphe – уст(идаги) ёзув] **1** *айн.* **эпиграмма 1.**

2 Бутун адабий асар ёки асар қисмининг бошида берилган ва унинг мазмунини ифодалайдиган цитата, ибора, мақол ва ш.к. *«Дўстлик» сўзи учрашувларимизнинг дебочаси, адабий кечаларимизнинг эпиграфи, ҳафталигимизнинг лейтмотивидир.* Газетадан.

ЭПИГРАФИКА [*юн.* epigraphe – уст(идаги) ёзув] Тош тахталар, қояларда, металл, сопол ва б. буюмларда ўйиб қолдирилган қадимий ёзувларни ўрганувчи қўшимча (ёрдамчи) тарих-филология фани.

ЭПИДЕМИК Эпидемияга оид, эпидемия характерида бўлган, ялпи, кенг тарқалган ёки тарқаладиган. *Эпидемик касаллик.*

ЭПИДЕМИОЛОГ Эпидемиология мутахассиси.

ЭПИДЕМИОЛОГИК Эпидемиологияга оид. *Касалликларнинг эпидемиологик таснифи.*

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ [эпидемия + *юн.* logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг юқумли кассаликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиш йўлларини ҳамда уларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш чораларини ўрганадиган бўлими.

ЭПИДЕМИЯ [*юн.* epidemia – ялпи, кенг тарқалган (касаллик)] Юқумли касалликларнинг муайян ҳудуд учун ғайриодатий тарзда ялпи, кенг тарқалиши. *Вабо эпидемияси.* ▬ *Шу сабабли грипп эпидемияси асосан шаҳар аҳолиси орасида кўп учрайди.* Газетадан.

ЭПИЗОД [*юн.* epeisodion – қўшилган, уланган нарса, қўшимча] **1** Айрим ҳаётий воқеа, ҳодиса. *Кураш йилларидаги эпизодлар. У жанг майдонидаги бир эпизодни сўзлаб берди.* ▬ *Мен бўлиб ўтган воқеалардан икки эпизодни ҳикоя қилиб бермоқчиман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Адабий асарда, пьеса, кинофильм ва ш.к. да маълум даражада тугал мазмунга эга бўлган парча, воқеа. *Расмда тасвирланган эпизод. «Алпомиш» достонидаги эпизодлар.* ▬ *-Аттанг, – деди бир оздан сўнг, – сценарийнинг энг яхши эпизодларидан биттаси шу эди.* «Муштум».

ЭПИЗОДИК 1 Гоҳ-гоҳ бўлиб турадиган, кам бўладиган, тасодифий. *Эпизодик муваффақиятлар.* ▬ *IX-XIV асрлар ёдгорликларида бу ҳодисанинг, эпизодик бўлса ҳам, мавжудлиги ҳаммага аёндир.* «ЎТА».

2 Айрим эпизодларда учрайдиган, кўринадиган, қатнашадиган. *Эпизодик роль. Эпизодик персонаж.*

3 Эпизод тарзидаги (*қ.* **эпизод 2**). *У экранда кичик бир эпизодик лавҳа яратади, лекин томошабин қалбида эса катта туғён уйғотади.* Газетадан.

ЭПИЗООТИЯ [*юн.* epi – устида, ёнида, кейин + zoon – ҳайвон, жонивор] Ҳайвонларда бирор юқумли касалликнинг муайян ҳудуд учун ғайриодатий тарзда кенг тарқалиши; ўлат.

ЭПИК [*юн.* epikos – эпосга хос, ҳикояга, қиссага оид] *ад.* Эпосга оид, эпосда бўладиган, эпосда тасвирланган. *Эпик қаҳрамон.* ▬ *Аммо тарихий романда эпик воқелик, эпик образ ўтмишдан олинади.* «ЎТА». *Масал – ҳажми унча катта бўлмаган.. мустақил сюжетга эга бўлган эпик асардир.* «ЎТА».

ЭПИКРИЗ [*юн.* epi — устида; кейин + krisis — қарор, тўхтам: сўнгги, ҳал қилувчи натижа] *тиб.* Касаллик тарихи охирида ёзиладиган асосий ва хулосавий маълумотлар: касалликнинг бошланиши, кечиши, ташхиси, асосий даво чоралари ва натижаси ҳамда келажакда касаллик қайтарилишининг олдини олиш бўйича шифокор тавсияларининг қисқача баёни.

ЭПИЛЕПСИЯ [*юн.* epilepsia — тутқаноқ] *тиб.* Тутқаноқ касаллиги; қуёнчиқ. *Эпилепсия касаллигида бирдан бутун гавдада қалтироқ пайдо бўлади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЭПИЛОГ [*юн.* epilogos — хотима < epi — кейин(ги) + logos — сўз, нутқ] Адабий асарнинг хотимаси, асар қаҳрамонларининг асарда тасвирланган асосий воқеалардан кейинги тақдири ҳақидаги қисм, хотима; *зид.* **пролог**. *Романнинг эпилоги.* ▬ *Операда прологдан эпилоггача иштирок этадиган яна бир қаҳрамон мавжуд.* Т. Жумаев, Ойжамол.

ЭПИТЕЛИАЛ Эпителийга оид; эпителий ҳужайраларидан иборат бўлган.

Эпителиал тўқима *айн.* **эпителий 1.**

ЭПИТЕЛИЙ [*юн.* epi — юқорида, устида, ёнида + thele — бўртиқ, ғудда; эмчак учи] **1** *биол.* Кўп ҳужайрали организмларнинг баданини, ундаги бўшлиқларнинг ички-ташқи деворларини қопловчи тўқималар.

2 *бот.* Баъзи ўсимликларнинг бўшлиқларини қоплаган юпқа деворли ҳужайралар қатлами (бу ҳужайралар мой, қатрон, эфир моддалари ажратиб чиқаради).

ЭПИТЕТ [*юн.* epitheton — қўшилган, илова қилинган] *ад.* Нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг сифат-фазилатларини яққол, жонли тасвирлаш ёки тасвирли қилиб кўрсатиш учун уларнинг номига қўшиб ишлатиладиган сифатловчи сўз. *Аёвсиз қоралов, фош этиш кучига эга бўлган «мазлумкуш» эпитети авторнинг объектга нисбатан кескин.. позициясини жуда равшан ифодалайди.* «ЎТА».

ЭПИЦЕНТР [*юн.* epi — устида, юқорида + *лот.* centrum — марказ] Ернинг зилзила, портлаш ва ш.к. ўчоғи, марказидаги устки қисми. *Зилзила кучи эпицентрда етти баллга етди.* ▬ *Эпицентр — зилзила маркази бўлган бу маҳалла гўё бульдозерлар кириб чиққан кўрғонга ўхшаб ётарди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ЭПКИН 1 Шамол, сув ва ш.к. нинг оқими, шу оқимдаги таъсири, уриниши. *Шабада.. саратон яйловининг бошни айлантирадиган эпкинини олиб келади.* А. Мухтор, Чинор. *Эпкинга бардош беролмай, сув тагида бир-бирига урилаётган катта тошларнинг гулдур-гулдури кишини ваҳимага солади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Хирмончилар эпкин туриб қолса, кечалари ҳам дон шопириб чиқишарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Шу пайт унинг кўзи кечки эпкинда силкинаётган супа ёқасидаги бўйчан майсага тушиб қолди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Умуман, нарсанинг йўналиши, йўналишдаги уриниш кучи. *Бу зиддиятларнинг эпкини ўша биринчи учрашувдаёқ эсган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЭПЛАМА *кам қўлл.* Эплаб-сеплаб қилинган, бир амаллаб ясалган; ясама. *Эплама ош. Эплама курси.* ▬ *Эртага ҳамманинг бола-чақаси янги энгил кийиб, кўчага чиқса-ю, унинг болалари эплама қилиб туришса, хунук-да!* Қ. Кенжа, Нотаниш гул. *..у яхши кўриб қолган «қиз»нинг афт-ангори, ясама сўзларини, эплама ҳуснини кўз олдимга келтирсам, кўнглим ағдариладиган бўлди.* «Муштум».

ЭПЛАМОҚ 1 Уддаламоқ, уддасидан чиқмоқ. *Ишни эпламоқ. Сен раис бўлсанг, эплайсан.* ▬ *Бирон бошқа ҳунарнинг бошини тутса ҳам эплаб кетарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сенлар ҳали битта ўқишни ҳам эплолмай юрибсанлар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Тўғри, меъёрий ҳолга олмоқ, шундай ҳолда тутмоқ. *Гулнор бошига илган камзулини жўрттага эплай олмаган бўлиб, юзини бир зумгина Йўлчига кўрсатиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аввал битта хотинни эплаб, кейин бошқасига қўл чўз!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Йўл-амалини қилмоқ, эпини қилмоқ. *Эскини эплагунча эсинг кетар.* Мақол. *Оз бўлса, эплаб кўр, Кўп бўлса, сеплаб кўр.* Мақол. ▬ *..бир ўспирин укаси бор экан, бу ҳам бировда ишлар экан, ўзини эплаб кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭПЛАШТИРМОҚ Эпини қилмоқ, амалламоқ. *Кечаси Ажиниёз чолни қўярдақўймай уйғотиб, ярим шишагина майни зўрға эплаштириб, тонгда кампирникига келди.* А. Мухтор, Чинор. -*Тихирлик билан ҳайто-*

вур кўнди, отаси! — ёлғонни эплаштирди шўрлик она. Ойбек, Нур қидириб.

ЭПЛИ 1 Қўлидан иш келадиган, уддали, шудли. *[Ҳамқишлоқлари:] Бу келинимиз ҳам сепли, ҳам эпли чиқди, барака топсин! — дейишарди.* Ф. Усмонова, Она қалби.

2 *кам қўлл. айн.* **эпақали 2.**

ЭПОПЕЯ [*юн.* epopoiia — эпик шеърият; қўшиқлар, ривоятлар тўплами] **1** *ад.* Тарихий воқеалар тасвир этилган, эпик жанрдаги йирик асар. *Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеяси.*

2 Мардонавор, жасурона ишлар билан боғлиқ давомли воқеа-ҳодисалар. *Қаҳрамонлик эпопеяси.*

ЭПОС [*юн.* epos — сўз, нутқ; ҳикоя; қўшиқ] **1** Бадиий адабиётнинг лирика ва драмадан ажралиб турадиган, баён тарзидаги учинчи тури. *Воқеаларни кенг ҳикоя қилишга асосланган адабий асарлар гуруҳи эпик тур ёки эпос деб аталади.* «Адабиёт назарияси».

2 Халқ оғзаки ижодиётида қаҳрамонлик ва қаҳрамонлар ҳақидаги достонлар мажмуи. *Қаҳрамонлик эпоси. Қирғиз халқининг «Манас» эпоси.*

ЭПОХА [*юн.* epoche — тўхташ; тўхтаб қолиш] *геол.* Геологик даврнинг тоғ жинслари ҳосил бўлган муайян бир қисми. *Тош тузи уюмлари энг қадимги геологик эпохаларда бўлган денгиз сувларининг қуриб қолишидан вужудга келгандир.* «Кимё».

ЭПСИЗ Ҳеч нарсани эплай олмайдиган; ношуд, лапашанг. *Ҳа.. пича ғижим рўмол олувдик, эпчиллар илиниб, эпсизлар қуруқ қолди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЭПСИЗЛИК Уддалаш қобилиятига эга эмаслик; лапашанглик, ношудлик. *Баъзан уларга ҳасад қилса, баъзан ўзининг эпсизлигидан ғазабланарди ҳам.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЭПЧИЛ 1 Ишни тез ва уддабуронлик билан бажариш қобилиятига эга; уддабурон. *Бизда ҳушёр савдогарлар, эпчил бойлар бор, улар кўпаймоқда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қорачадан келган, эпчил Маҳкамбой ака маслаҳат ошлари тепасида тургани учун, ҳар бир тўй ва маъракa рисоладагидек ўтарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 Тез, чаққон ҳаракатли; шундай ҳаракат билан. *Эпчил бир йигит дарҳол киноаппаратини ғилофидан чиқариб, махсумни суратга ола бошлади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Ҳамма Назир ота каби шиддаткор, Гўё овга чиққан эпчил, зўр бургут.* Р. Бобожон. *Кейин эпчил ўрнидан туриб, электр устарада соқолини қиртишлади.* Ф. Мусажонов, Қалб амри. *Ўктам.. чиройли саман отига эпчил минди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭПЧИЛЛИК Эпчил иш тутиш, ҳаракатланиш қобилияти; шундай ҳаракатнинг ўзи. *Жангларда ботирликдан кўра қувлик, моҳирлик, эпчиллик иш беради.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Унинг ҳар бир ҳаракатидан ҳарбийларга хос кескинлик.. ҳамда эпчиллик сезилиб турибди.* К. Яшин, Ҳамза. *Сўнгра эпчиллик билан Бойчиборга минди-ю, Олтинсойга қараб йўл олди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЭР 1 Эркак жинсига мансуб киши; эркак. *Эр сийлаган ерда азиз.* Мақол. *Анғизли ерда от ўлмас, Ийирли ерда эр ўлмас.* Мақол.

2 Хотин киши билан никоҳ аҳдида бўлган эркак киши; қаллиқ (ўз хотинига нисбатан). *Эрга бермоқ. Эрга тегмоқ. Эр қилмоқ. Эрдан чиқмоқ. Элдан қолгунча эрдан қолган яхшироқ.* Мақол. *Яхши хотин эрни эр қилади, ёмон хотин — ер (қилади).* Мақол. ▬ *Қизимнинг кўнглини ол, эридан чиқариб, сенга бераман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Мард, олийжаноб, жасур киши. *Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, От бошига иш тушса, сувлуқ билан сув ичар.* Мақол. *Эр йигит майдонда билинар.* Мақол. ▬ *Эр йигит энаси ғариб ўларми, Энам деб, мастонга кўнгил берармиʔ* «Рустамхон».

ЭРА [*лот.* aera — бошланғич берилган сон, сана] **1** Бирор йил ҳисоби бошланган пайт ва шундай йил ҳисобининг ўзи. *Мусулмонлар эраси — ҳижрий йил ҳисоби Муҳаммад пайғамбар Маккадан Мадинага ҳижрат қилган вақтдан ҳисобланади. Христианларнинг милодий йил ҳисоби Исо пайғамбар (Иисус Христос) туғилган кунидан бошланади.* ▬ *Йиллар ҳисобининг бошланган вақти календарь эраси деб аталади.* «Астрономия».

2 Қандайдир тарихий ва ижтимоий хусусиятлари билан бошқаларидан (аввалгиларидан) тубдан фарқ қиладиган давр. *Космик эра.*

3 *геол.* Ер тарихида маълум тоғ жинсларининг пайдо бўлиши билан характерланадиган, бир неча юз миллион йилларни ўз ичига олган муддат. *Палеозой эраси. Кайнозой эраси.*

ЭРАМ [*а.* ارم — Шарқ мифологиясида: Яманда подшоҳ Шаддод томонидан бунёд этилган афсонавий боғ]: **боғи эрам** *ёки* **эрам боғи** *қ.* **боғ** I **1.** *Бир ёнда хаёлий эрам боғидек Буюк ва бетимсол менинг ватаним.* А. Орипов. *Боғи эрам менинг ёлғиз бошимга нима ҳам керак? Кўпчиликка бўлсин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭРАН-ҚАРАН *айн.* **элан-қаран.** *[Боланинг] Қадам олиши эран-қаран.. заранг таёғи чағир тошларга тегиб, енгил сакрайди.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил. *Улар эран-қаран ўринларидан туришди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *Тўдадан икки киши ажралиб, эран-қаран унинг ортидан юрдилар.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЭРБИЙ [*лот.* Erbium < Швециядаги Иттербю (Ytterby) қишлоғи номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; ялтироқ металл.

ЭРГАНАК *шв.* Ўтов (чодир)нинг эшиги.

ЭРГАШ 1 Эргашувчи, эргашиб борувчи, эргашиб юрувчи.

Эргаш бўлаклар *эск. тлш.* Иккинчи даражали бўлаклар. **Эргаш гап** *тлш.* Эргашган қўшма гапдаги бош гапга эргашиб, бош гапни ёки унинг бирор бўлагини изоҳлаб келган гап.

2 Эргаш (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЭРГАШИШ 1 Эргашмоқ фл. ҳар. н. *Бировга эргашиш.*

2 *тлш.* Тобе бўлиш, тобеланиш (бош гап билан эргаш гап ёки гап бўлаклари ўртасидаги тобелик муносабати). *Тенг эргашиш.*

ЭРГАШМОҚ 1 Орқасидан бормоқ, изма-из юрмоқ, кетидан бормоқ. *Ҳаммалари Боисжоннинг орқасидан эргашиб, кўчага чиқишди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. *Мадримбой билан Собирбойлар худди соя каби унга эргашиб борарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бирга бориш учун хархаша қилмоқ, интилмоқ (болалар ҳақида). *Бола онасига эргашиб, йиғлаб қолди.* ▬ *Подачининг товушини эшитиб, далага ошиққан онасига эргашиб, қашқа бузоқ ҳам маъраб юборди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор иш, ҳаракатда кимнингдир кетидан (унинг бошчилигида) бирга ҳаракат қилмоқ. *Кимдир.. Ҳамзанинг қўшиқларидан бирини бошлаб юборди. Қолганлар эса унга эргашишди.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Иш-фаолиятида кимнингдир йўлини тутмоқ, унга тақлид қилмоқ. *Кўп юрганга эргашма, кўп билганга эргаш.* Мақол. ▬ *Олдин Камолиддин махдум, унга эргашиб Асадқори хихилаб кулди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Янгилик ғолиб чиқди. Ш. Холмирзаевга тобора кўпроқ одамлар эргаша бошлади.* Газетадан.

5 *тлш.* Эргашиш муносабатида бўлмоқ, тобе бўлмоқ. *Гапнинг бошқа бўлакларига бўйсунмай, эргашмай, ўзаро мослашиб келган бўлаклар бош бўлаклар дейилади.* «Ўзбек тили» дарслиги.

Эргашган қўшма гап Ўзаро эргаштирувчи боғловчилар ёрдами билан (баъзан боғловчисиз) боғланиб, эргаш ва бош гапдан тузилган қўшма гап.

ЭРДОНЧА *шв.* Тирранча, тирмизак. *Энди саккиз-тўққиз яшар эрдончалар парпар, куёв-куёв, ўпич-ўпич ўйнайди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ЭРИМОҚ 1 Иссиқ таъсири натижасида қаттиқлигини йўқотмоқ, суюқ ҳолга ўтмоқ; юмшамоқ. *Эриган пўлат. Эриган чўян. Эриган сариёғ.* ▬ *Ерлар эриб, ҳамма ёқ шилтшилт лой, қўрғон кунгураларидаги қировлар буғга айланиб, кўкка кўтарилмоқда эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Жисмонан бўшашган, «эриган» ҳолатга тушмоқ. *Йўл тортиб — чарчаб келаётган одам эмасми, сояда эриб, кўзи уйқуга бориб, ухлаб қолди.* «Ёдгор». *Тегирмончи, гўё эриб кетгандай, бошини қуйи солди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Унинг бутун вужуди эригандай бўлди; кўкрагининг аллақаеридан шув этиб кўтарилган бир нима томоғида лип-лип этди-ю, кўзига ёш олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Иссиқлик ёки бошқа таъсир натижасида парчаланиб йўқ бўлмоқ, бошқа жисмга айланмоқ. *Мавжларга оқ капалаклардек қўнаётган қор учқунлари шу ондаёқ жимжит эрийди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Аллақаерда қарға қорлар эриб кетганидан зорланиб қағиллайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Туз эдикки, эриб кетамизми? — Эрибку кетмаймиз..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳаҳ шумтакалар, оғизларингда эриб кетадиган сузма қурутни берсам, олмайсизлар, шу тош қурутни талашасизлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Парчаланиб йўққа айланмоқ; йўқ бўлмоқ. *Сулув эсини йиғиб қараса, Эримбет жойида эриб кетгандай ғойиб бўлибди, ҳеч қаерда йўқ.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Агар йигит-қизни ҳақиқий севги бир-бирига боғласа, уни ҳеч қандай куч узолмайди, оилада юз берадиган баъзи бир келишмовчиликлар, хафаликлар ҳам севги-муҳаббат ҳароратида эриб кетаверади.* А. Эшонқулов, Оила бахти ҳақида.

5 *кўчма* Руҳан илиқлик, ёқимлилик ҳисси уйғонмоқ, хуш ёқмоқ; шундай ҳолатга тушмоқ. *Яхши гапларни тинглаб, эриб ўтирган Нуқра аввал ялт этиб Жалил Каримовичга қаради.* Мирмуҳсин, Нуқра. *Бола кампирнинг сўзларини тушунмаса ҳам, унинг иссиқ оналик меҳридан эриди-да, қувончидан сакраб ўрнидан туриб, кампирни қучоқлаб олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 Мойиллик, меҳр, ҳиммат ҳисси уйғонмоқ; меҳри товланмоқ. *Ҳозир бўлинг, ўртоқ ефрейтор, гўзал қизлар ҳам анойи эмас, салгина гапга эриб кетавермайди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

7 *кўчма с.т.* Харид қилинган нарса, янгилик, муваффақият ва ш.к. учун зиёфат қилиб бермоқ; сийламоқ, ювмоқ. *Нимага бу ерда турибмиз? Ошхонага олиб кириб, бир эрийин энди санга, жонгинам!* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. -*Яримта эмас, ўнта яримтага эрийман! — капитан шундай деди-да.. қўлидан хатни юлиб олди.* О. Ёқубов, Излайман. *..бугун сал эрисангиз бўларди, охирги ойда ўқиган лекцияларингизга 4,5 минг сўм ёзиб қўйдим.* «Муштум».

ЭРИНМОҚ Ҳафсаласизлик қилмоқ, ҳафсаласи келмаслик, майли бўлмаслик. *Ғанижон қайтиб келгани эринди-ю, кета берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Кунига совун ишлатишга эринадиган одам бугун узоқ совунлаб ювинди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Йигитнинг ҳаракатлари қовушимсиз, кабобни эринибгина китоб муқоваси билан елпийди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЭРИНЧАК Эриниш хусусиятига эга, ишга эринадиган, кучсиз; ҳафсаласиз. *Эринчак бола. Эринчак икки ишлар, охири бармоғин тишлар.* Мақол. *Эринчакнинг иши битмас.* Мақол.

ЭРИНЧАКЛИК Эриниш хислатига эгалик, эринчак бўлиш; эриниш, эринган ҳолат. *Ҳорғинлик ва олов шу вақтда унда эринчакликни кучайтирган эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Сувонжон уйқу аримаган кўзларини ишқаб, эринчаклик билан эшикка қараб юрди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭРИНЧОҚ *айн.* **эринчак**.

ЭРИТКИЧ *тех.* **1** Металларни эритиш учун ишлатиладиган қурилма, печь.

2 Эритма ҳосил қилувчи, эритувчи суюқлик. *Намакоб тайёрлаш учун эриткич — сув ишлатилади. Ацетон — бўёқларни эритувчи яхши эриткичлардан биридир.*

ЭРИТМА 1 Бир ёки бир неча модданинг суюқликда жуда майда қисмларга (молекулаларга) ажралган ҳолдаги қоришмаси. *Сувдаги туз эритмаси. Тўйинган эритма.* ▬ *Олма мевасига саккиз процентли кальций хлор эритмаси билан ишлов берилса, ундаги замбуруғларнинг ривожланиши тўхтайди.* «Фан ва турмуш».

Қаттиқ эритма *айн.* **қотишма.**

2 *тех.* Металл эритиш печида бир йўла олинадиган металл миқдори, эритилган махсулот. *Пўлат эритиш жараёни қарийб уч соат қисқартирилди. Ҳозирда ҳар бир печдан суткасига тўрт марта эритма олиняпти.* Газетадан.

ЭРИТРОЦИТЛАР [*юн.* erythros — қизил + kytos — ҳужайра] Қизил қон таначалари; таркибида қонга қизил ранг берувчи гемоглобин моддаси бўлади.

ЭРИТУВЧИ 1 Эритмоқ фл. сфдш. *Юракни эритувчи гап.*

2 *айн.* **эриткич 2.** *Сув жуда кўп турли қаттиқ, суюқ, газсимон моддалар учун эритувчидир.*

3 Металлургия саноатининг ишчиси. *Пўлат эритувчилар.*

ЭРИШ I **1 Эримоқ** фл. ҳар. н.

2 Иссиқлик таъсирида қаттиқ моддаларнинг суюқ ҳолга ўтиш ҳодисаси, жараёни. *Музнинг эриши. Металлнинг эриши. Эриш температураси.* ▬ *Инсон қадимдан асл металлар, уларнинг.. бошқа металлар билан бирикиш хусусиятига эътиборини қаратган.* Газетадан.

ЭРИШ II Асл, одатдаги ҳолга тўғри келмайдиган; ғалати. *Кўзга эриш кўринмоқ. Қулоққа эриш эшитилмоқ.* ▬ *Бу ўтириш бугун Юсуповга жуда эриш, йўқ, ғоят оғир, қийин туюлди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЭРИШМОҚ Муваффақ бўлмоқ, қўлга киритмоқ. *Мақсадга эришмоқ. Яхши нати-*

жага эришмоқ. Ғалабага эришмоқ. ▬ *Биз қанча яхши жанг қилсак, зафарга ҳам шунча тез эришамиз.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ёш авлод тарбиясида юқори самарага эришиш учун бир қатор шарт-шароитлар барқарор бўлиши лозим.* Газетадан.

ЭРК 1 Кишининг ёки кишиларнинг ўз хоҳиши билан иш-ҳаракат қилиш ҳуқуқи; ихтиёр, майл. *Ҳар кимнинг эрки ўзида. Ўз эркига қўйиб бермоқ. Эркини бўғмоқ. Қўлингга, тилингга эрк берма.* ▬ *Санъаткорда куч ва ишонч, эрк ва дадиллик бўлмас экан, у ўз мақсадига эриша олмайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллик; эркинлик. *Эрк учун курашмоқ.* ▬ *Халққа эрк учун, нон учун, маданият учун курашга отилмоқ керак.* Ойбек, Нур қидириб.

Эрк бермоқ Ихтиёрни ўзига қўйиб қўймоқ; йўл қўймоқ. *Инсофсизга эрк берсанг, элни талар.* Мақол. ▬ *Абдиев нафси билан бирга қўлига ҳам эрк бериб қўйганга ўхшайди.* «Муштум». *У ҳеч қачон ҳаяжонга ҳам эрк бермас эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЭРКА 1 Меҳр, суйиш ҳисси билан муносабатда бўлинадиган; суюкли. *Эрка қизча билан меҳрибон отанинг ўртасига рахна солиш жоҳиллик.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Булғорнинг эркаси, болам, йўл бўлсин..* «Эрали ва Шерали». *Сайр этайлик, кел, бирга, эркам, Рози кетсин биздан умрбод — Шодлик учун яралган олам.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Кўнглига келган ишни қилиш учун ихтиёр бериб қўйилган, талтайтириб юборилган, тантиқ. *Эрка тутса онаси, талтаяди боласи.* Мақол. ▬ *Мунис тенгқурларига ўхшамасди: жуда эрка эди, сержаҳл эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Фахриддин эрка ўсган тантиқ бола бўлгани учун Нисо буви: -Ҳа, ишқилиб, икковининг жони омон бўлсин, — деб қўя қолар эди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

3 Эркалик, суюмлилик ифодаловчи. *-Ёлғончи экансиз, — деди у яна эрка товушда.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Гулнор чиройли ва эрка табассум билан, хўп дегандай, бошини қимирлатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Эрка (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЭРКАК 1 *айн.* **эр 1, 2.** *Эркак жинси. Эркаклар костюми.* ▬ *Доя келгандан сўнг, ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Билмадим, хотин тортингани учун эркак тегишгиси келадими, эркак тегишадиган бўлгани учун хотин тортинадими?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Эр жинсидаги ҳайвон, жонивор. *Эркак мушук. Эркак қўй. Эркак ғоз.* ▬ *Хотиним қиз туғди, деб хафа бўлма, шернинг эркак ва урғочиси баравар.* «Ёшлик».

Эркак новда Мевали дарахт, ўсимликнинг яхши ҳосил бермайдиган, ҳосилга яроқсиз новдаси. *Энсаси қотиб, узун бир эркак новдани шартта қайчилаб, шиддат билан суғуриб олди. Шу беҳосил новда Содир тўнкага ўхшаб кетди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Эркак сабзи** Ўзаги ёғочдай қотган, ишлатишга деярли яроқсиз сабзи; эркаклаган сабзи. *-Пули бор-ку ейди, пули йўқ-чи, — баланд овоз билан сўради, эркак сабзига ўхшаган бир эски чопон.* К. Яшин, Ҳамза. **Эркак супурги** *шв.* Ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимлик ва ундан тайёрланадиган дағал супурги.

ЭРКАКЛАМОҚ Етилган, яроқли вақти ўтиб қотмоқ, яроқсиз ёки деярли яроқсиз ҳолга келмоқ, яхши ҳосил бермайдиган бўлиб ўсмоқ (баъзи ўсимлик ва уларнинг меваси ҳақида). *Эркаклаган сабзи.* ▬ *Эркаклаб кетган пиёздек бу новча «ёш бек» оғзидан ҳеч қачон ширин гап чиқмаган..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мана бу йўғон, бўғинлари бир-биридан узоқ новда эркаклаб кетган, уни шартта олиб ташлаш керак.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ЭРКАКЛАШМОҚ Эркакка хос хатти-ҳаракат, қилиқ, хусусият кабиларга эга бўлмоқ. *[Меҳринисо] Ўзиям эркаклашиб кетган. Эри билан баб-баравар дам тортиб, босқон урармиш.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Биз ўзимизни йўқотиб, эркаклашиб кетдик. Эркаклар эса тобора заифлашиб боряпти.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭРКАКЛИК Эркакларга хос нарса, белги-хусусият, хатти-ҳаракат ва ш.к. *Қандайдир паривашнинг оловли жозибаси, ҳуснмалоҳати унинг эркаклик қонига ўт ташлаб юборган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *-Хотинларим, — деди бой, — менда эркакликдан бирор нарса қолмаганини биладилар, уйланишимдан улар учун бирон зарар йўқ.* С. Айний, Қуллар.

ЭРКАКЧА Эркакларники каби, эркакларга ўхшаб. *Кимдир тез-тез гапиради, дам*

эркакча, дам хотинча сўзлайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эркакларга хос, эркаклар учун белгиланган. *Эркакча кийим. Эркакча ўйин.* ▬ *Олдинда эркакча тўн ва бўрк кийган, белига камар боғлаб, ханжар осган Хонзода бегим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЭРКАКЧАЛИШ 1 Эркакларга ўхшаган, эркаксимон. *Эртаги кун нима қилади бу эркакчалиш секретарда?!* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Эркакларча, эркакча. *Фақат чолгина Комиланинг «эркакчалиш қилиқлари»ни ёқтирмайди, йигит бўлса, каллакесар бўларди, деб юради.* А. Мухтор, Чинор.

ЭРКАКЧИЛИК *айн.* **эркаклик.**

ЭРКАКШОДА Эркакларга ўхшаш хатти-ҳаракатли. *Шаддод, гапини бировга бермайдиган, эркакшода Асрора звенога бошлиқ бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЭРКАКЎТ *бот.* Бошоқлиларга мансуб, чўлларда ўсадиган, баъзи турлари экиладиган кўп йиллик озуқабоп ўтсимон ўсимлик.

ЭРКАЛАМОҚ 1 Меҳр билан силабсийпамоқ, суймоқ. -*Ухла, ухла, айланай полвон боладан! — эркалаб боланинг бошини силади Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уни ёлғиз дадасигина эмас, бутун қишлоқ эркалар, ҳеч киши унга қаттиқ гапирмас эди.* С. Аҳмад, Уфқ. [*Отабек*] *Ухлаб кетар экан, ўзини гоҳ қонга беланиб ётган ҳолда, гоҳ Кумушни эркалаб турган ҳолда кўрар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўнглига қараб, эрка қилиб ўстирмоқ; эрка, тантиқ қилиб юбормоқ.

ЭРКАЛИК 1 Эркага хос хусусият, хислат. *Эркалатган сари эркалиги ошади.*

2 Эрка одамларга хос қилиқ, иш, хаттиҳаракат; ноз, эркаланиш. *Қизча бирдан Бектемир тиззасига бошини қўйиб, эркалик, ялинчоқлик билан деди: -Нон бер. Егим келяпти.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Эркалик қилмоқ 1) ўзини эркаларча тутмоқ, эркаланмоқ; 2) ҳадди сиғиб, бирор ишни қилмоқ, шу ишни қилишга ботинмоқ. *Бирор нарса етмаса, эркалик қилиб, олдига бораверамиз.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Эрка бўлган вақт, шароит. *Минг бора розиман она юртимдан, Кўрди у эркалик чоғларимни ҳам.* А. Орипов, Йиллар армони. *Эркаликда ўсган Отабекка бу хўрлик турмушдан биринчи зарба эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭРКАН *эск. айн.* **экан.**

ЭРКАТОЙ Эркалик қилиш хоҳиш-ихтиёрини қозонган, шундай эрк-ихтиёрга эга. *Бу эр-хотинга.. тантиқ, эркатой қизлари яйраб-яшнаса бас!* Газетадан. *Қамар раис олдин секретарнинг эркатойи эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЭРКИН 1 Ҳар қандай тўсиқ, ғов, монелик ва ш.к. дан холи бўлган, эрк-ихтиёри ўзида бўлган. *Эркин ҳаёт.* ▬ *Наҳот чайқовчи ўзини шунча эркин сезса!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *У энди эркин қуш, боши оққан томонга учиши мумкин.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Қийналмай, қийинчиликсиз, бемалол. *Машқларни эркин бажармоқ. Эркин ҳаракат қилмоқ.* ▬ *Ўрта Осиё халқлари тилларида эркин сўзлайдиган Александр Васильевич Сидоров билимдон киши эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Очиқ-ойдин, бемалол тарзда. *Мазкур китобда фуқаро ҳуқуқи ҳақида бирмунча эркин фикрлар айтилганини сарой аҳли, жумладан, аҳли фузало билар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Қисиниш, тортинишдан холи ҳолда; бемалол. *Улар билан кўпдан танишдек эркин гаплашиб кетдим.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Солижон энди Тошпўлатов билан ийманиб эмас, эркин, ўртоғи билан гаплашаётгандай бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Аҳмаднинг ўзини эркин тутиши Толиб аканинг сал жиғига тегди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

5 Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мустақилликка эга бўлган, озод, ҳур.

6 Эркин (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

Эркин нафас олмоқ Сиқилиш, танглик ҳолатидан қутулмоқ, эркин ҳолатли бўлмоқ. *Аҳмад кўчага чиқиб, сал эркин нафас олди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ш. Хамроев бойлар қўлида эркин нафас олишни, одамдек яшашни орзу қиларди.* Газетадан.

Эркин шеър *ад.* Қофияси бўлмаган шеър.

ЭРКИНЛИК 1 Бирор жиҳатдан чекланиш, тазйиқ ва ш.к. дан холилик; кишининг ўз истаги бўйича иш тутиши. *Бул ерга келиб, эркинликнинг лаззатини ҳис этаётирман.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Ўша куни оналар, кампирлар қиз ва невараларига эркинлик беришган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Эркин ҳаёт, шароит. *Эркинликда яшамоқ.*

3 Озодлик, мустақиллик; ҳуррият, эрк. *Эркинлик учун кураш.* ▬ *Вақтли ҳукумат илгариги оз-моз берилган эркинликни ҳам қатағон қилди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЭРКЛИ Ўз эрки ўзида бўлган; озод, ҳур. *Эркли юрт.* ▬ *Мен эркliман, қувноқ қиз, Бахт чолғуси қўлимда.* Ғайратий.

ЭРКПАРВАР Эркнинг барқарорлиги учун курашувчи, уни ардоқловчи. *Покистон халқи тинчлик тарафдоридир, аммо лига ва давлат эркпарвар халқимизни бўғмоқчи.* Ойбек, Нур қидириб.

ЭРКСЕВАР Озодлик, эркинликни севувчи. *Эрксевар халқ.* ▬ *Тан бердим эрксевар шу капалакка, Деразам қанотин очиб юбордим.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЭРКСИЗ Ўз эрки ўзида бўлмаган, озодликдан маҳрум; эрки йўқ, ҳақ-ҳуқуқсиз, тобе. *Эрксизга эрк бермоқ.* ▬ *Замоннинг зайли шу бўлса, ўзим эрксиз, кучсиз бир бечора бўлсам, нима қилай ахир, жон қизим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Булар таг-томири билан йўқ қилинмаса, халқ эрксиз яшай беради.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЭРКСИЗЛИК 1 Эрксиз ҳолат, ўз эрки ўзида эмаслик.

2 Тобеликдаги ҳаёт, шароит, ҳақ-ҳуқуқсизлик.

ЭРЛИ Эри бор, эрга теккан, эри билан яшаб турган. *Эрли хотин.* ▬ *Ўйнашдан айниб, эрли бўлмоқчиман, мулла ака.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЭРЛИК 1 Эрга хос ҳолат, эр эканлик (*қ.* **эр** II).

2 Мардлик, мардонаворлик, қаҳрамонлик, жасорат. *Ҳар ким бу кунги урушдаги ўзининг эрликлари билан, қўлга туширган олтин камари.. ва бошқа ўлжалари билан мақтанади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *айн.* **эркаклик 2.**

ЭРМАК 1 Вақтни кўнгилчоғлик билан ёки зерикмай ўтказиш учун хизмат қиладиган нарса, машғулот. *Болалар эрмаги. Бекорчиликка эрмак. Эртак — эрмак.* ▬ *Овқатдан кейин эрмак учун ўзининг ҳам ўзга шоирларнинг муаммоларидан бир нечасини ўқиб, яширилган исмларни топишни илтимос қилди.* Ойбек, Навоий.

2 Кўнгилга тасалли берадиган, овутадиган нарса, кимса; овунчоқ, юпанчиқ. *Назокатнинг бирдан-бир машғулоти ва эрмаги дутор эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ёлғизликнинг дастлабки кунларида унинг эрмаги фақат Тўлқин билан Учқун бўлди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Масхара, кулги, мазах бўлган кимса, нарса. *Қизлар Салимахонни эрмак қилиб, кулишиб ўтирганларида, Хадичахон кириб келди.* Н. Фозилов, Оқим.

Эрмак қилмоқ 1) эрмак учун бирор нарса билан машғул бўлмоқ. *Муҳаммад Жамол урина-урина, ниҳоят, уйқуга кетди. Аҳмад Ҳусайн у-бу китобларни эрмак қилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ана, ҳар куни эрмак қилиб турадиган дўмбирасининг дастаси қамиш кули орасидан чиқиб ётибди.* Н. Фозилов, Дийдор; 2) масхара қилмоқ, устидан кулмоқ, кулги қилмоқ. *Қиз эрмак қилаётгандек, орқасига қараб қичқирди: -Ҳой, Акбар, ўртоғинг келдилар, бу ёққа чиқ.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Сайфи бўлса, ҳадеб тилини чиқариб, мени эрмак қилади.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЭРМАКЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **эрмак қилмоқ 1**, **2.** *қ.* **эрмак.** *Самоварчи келтириб қўйган чойни мен ҳам майдалаб эрмаклай бошладим.* Ҳамза, Танланган асарлар. *«Сенга ўқишни ким қўйибди», деб эрмаклаган ким эди?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭРМАКТАЛАБ Эрмак қилиш иштиёқида бўлган, эрмак истовчи. *Йўловчилардек эрмакталаб халқ камдан-кам бўлади.* С. Аҳмад, Хотин.

ЭРМАКЧИ Эрмак қилувчи, кимсани мазах, масхара қилувчи одам. *Девонанинг ўпкаси шишиб кетди, эрмакчилар унинг юрагига галма-гал ўт ёқар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭРМАН Мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик, тўп бўлиб ўсадиган ўт (унинг ҳидли майда сарғиш-яшил, какра барглари дори тайёрлаш учун ишлатилади). *..қоя пойларида эса сап-сариқ эрман гуллари тўлқини мавж уради.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ЭРМАНА *айн.* **эрман.** *Эрманали уйда эр ўлмас, Дарманали уйда дард бўлмас.* Мақол.

ЭРМИШ *эск. айн.* **эмиш.**

ЭРМОҚ *эск. айн.* **эмоқ.**

ЭРОВУЛ *тар.* Отлиқ разведкачи, лашкарнинг олдинги қисмларидан илгари борувчи отлиқ аскар.

ЭРОЗИЯ [*лот.* erosio – ўйиш, шилиш, емириш] **1** *геол.* Тупроқнинг, тоғ жинсларининг оқар сувлар ёки шамол таъсирида емирилиши, нураши. *Саҳродаги қудуқлар атрофида ўсимликлар пайҳон қилинганлиги сабабли, у жойларда шамол эрозияси жуда кучли бўлади.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

Тупроқ эрозияси Тупроқнинг энг семиз устки қатламининг сув ва шамол таъсирида нураб ориқлаши. *Бодом илдизи сертармоқ бўлгани сабабли, тупроқ эрозиясига қаршилик қилади.* «Фан ва турмуш».

2 *тех.* Металл буюмлар сиртининг газ ёки сув оқими, шунингдек, электр заряди таъсирида аста-секин емирилиши.

3 *тиб.* Тери шиллиқ пардасининг ёки эпителийнинг яллиғланиши (шилиниши ва яраланиши).

ЭРОНИЙ [*а.* ایرانی – Эронга, эрон халқига мансуб; эронлик] **1** Эрон халқига мансуб шахс; эронлик. *Эронийлар жанговар қийқириқлар билан жазавага тушиб келишарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Эрон халқига тегишли; Эронда ишлаган. *Хоразм тупроғида етилган тотли мевалар, туркман отлари, эроний гиламлар.. император ҳазратларига пешкаш қилинади.* С. Сиёев, Аваз.

ЭРОНЛИК Эрон халқига мансуб шахс; эроний.

ЭРОНЛИКЛАР 1 Эронда яшовчи халқлар; Эрон халқи.

2 Она тили эрон тиллари гуруҳига мансуб бўлган кишилар (форс, афғон, тожик ва б.).

ЭРОНШУНОС [*ф.* ایران – Эрон, эроний + شناس – ўрганувчи] Эроншунослик бўйича мутахассис, олим.

ЭРОНШУНОСЛИК Эроний халқларнинг (форс, тожик, афғон ва б. халқларнинг) тиллари, адабиёти ва маданиятини ўрганадиган фанлар мажмуи. *Шарқшунослик факультетининг эроншунослик бўлими.*

ЭРРАЙИМ Текин даромаддан босартусарини билмай қолган ёки ўзгаларнинг мулки, бойлиги устидан каттаконлик қилувчи одам; зўравон; валламат. *Иккита эррайимнинг лунжига тугун солиш билан овора бўлиб қолдик.. Иккаласи ҳам хўжайин, бутун Пархонада ном чиқарган зўравонлар эди..* «Шарқ юлдузи». *Яллачиликнинг пулидан эргинамиз Раҳмат ҳожи бунчалик эррайим бўлиб юрибди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЭРРАЙИМЛИК Эррайим одамларга хос иш, хатти-ҳаракат; валламатлик. *-Сен менга нега эррайимлик қиляпсан! – деди жаҳл билан Умарали, – раис раислигида, самоварчи самоварчилигида турсин.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ЭРСА *эск. айн.* **эса.**

ЭРСИЗ Эри йўқ, эрга тегмаган ёки бева. *Эрсиз хотин. Ўйнашга ишониб эрсиз қолмоқ.* Мақол. ▬ *Моҳира ойим таънага тил очади: -Энди дунёдан эрсиз ўтасан, қизим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭРСИРАМОҚ Эр истаб, эр талаб бўлиб қолмоқ; куйикмоқ. *Бу ҳийлакор қиз, жуда қув қиз. Мени севмайди юракдан. У ёлғиз эрсираб қолган. Унга ўйин керак.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Шарофат:*] *Мен эрсираб келибманми?.. Эрсираган бўлсам, бўйни йўғон сон мингта!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭРТА 1 *рвш.* Белгили, одатдаги, меъёрий вақтдан анча ёки бирмунча олдин, барвақт, вақтли. *Эрта турмоқ. Эрта бориб, кеч қайтмоқ. Эрта қариган киши. Бу йил қиш эрта келди. Экинни эрта эккан ҳосилини эрта ўрар.* Мақол. *Ҳаракатинг эрта бўлса, кузда эрта ўрарсан.* Мақол. ▬ *Раъно сув салқинида бугун ҳам эрта ухлаб қолди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Вақт, фасл билдирувчи баъзи сўзлар билан бирикиб, шу вақт, фаслнинг энг (эндигина) бошланиш вақтини билдиради. *Эрта тонгданоқ ишга йўл оларкан.. қалбида ажиб ҳислар мавж ура бошлади.* Газетадан. *Икромжон, эрта баҳор Найманга кўчиб чиқаётганларида, Азизхонга ёзилган хатга қўл қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эрта наҳор чоғида, денгизнинг ёқимли оромбахш майин шамоли эсиб турганда.. Каспий ажиб жилвагар кўринарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *кесим взф.* Бирор иш-ҳаракатни бажариш, амалга оширишга ҳали вақт борлигини, вақти келмаганлигини билдиради. *Уйга боришни истамади, лекин гапга боришга ҳали вақт эрта эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳали ётмоққа вақт эрта эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *от* Тундан кунга ўтиш вақти, тонгдан сўнгги пайт; эрталаб. *Носвой йўқ, эртадан бери хумориман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нима қилибди юрагимга? Менга ўхшаб эр-*

тадан кечгача уйда ўтиринг-чи. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

5 *от* Келаси кун, сўз бораётган кундан кейинги кун. *Бу воқеанинг эртаси. Эсарнинг эртаси кўп.* Мақол. *Бугун бўлмаса, эрта. Бугунми, эртами, ўқишни бошлаймиз.* ▬ *Сизлар чиқинглар.. иш бўлмаса, ётинглар, эрта вақтлироқ туриб, ёвонга гўнг ташийсизлар.* С. Айний, Қуллар. *Директоримиз эрта бор, индин бор, деб ишни чўзиб юбордилар.* «Муштум».

Эрта билан Эрталаб. *Шаҳид бўлган сарбозларни эртага эрта билан шу ерга кўмишни айтган карвонбоши.. отга қамчи босиб, Хўқанд сари чопди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Эрта бир кун** Иш-ҳаракат, ҳодисанинг келгусига оидлиги, келгусида бўлишини билдиради. *Кимлар эса бугун ғолиб, Эрта бир кун забундир.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ. **Эрта кунда** Умуман; ҳар вақт, доим. *Эрта кунда жанжал.* ▬ *Ҳиммат-ку эрта кунда йўқ, яна ўзи ўлгудек бахил..* «Муштум».

ЭРТАГА Сўз бораётган кундан кейинги куни. *Эртага борамиз. Бугунги ишни эртага қўйма.* Мақол. ▬ *Эртага эрталаб бизни машина келиб олиб кетишини тушунтирдим.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЭРТАГИ 1 Эртага бўладиган; эртанги. *Эртаги мажлис. Эртаги иш. Эртаги думбадан бу кунги шалҳак яхши.* Мақол. *Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор.* Мақол. ▬ *Эртаги машғулотлари ёдига тушиб, «Ётиш керак!» деди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Бошқа хилларга қараганда олдинроқ етиладиган, пишадиган; эртапишар, чиллаки. *..эртаги, ўртанги ва кечки сабзавот, картошка, полиз ва резавор экинлари экиш режаси тўла бажарилган.* Газетадан.

Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги Эртакнинг бошланишида айтиладиган ибора. -*Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги.. — деб бошлади бобом эртакни.* Ойбек, Болалик.

ЭРТАК 1 Халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган, сеҳрли-саргузашт ва маиший мазмундаги эпик бадиий асар; чўпчак. *Эртак айтмоқ.* ▬ *Бир ариқда сут, иккинчи ариқда шарбат — эртакларда бўлади!* С. Анорбоев, Оқсой. *Илмий фантастик асарлар билан адабий эртаклар ўзаро яқин алоқададир.* «Фан ва турмуш».

2 Ҳикоя, қисса, воқеа. *Унсин ҳамма воқеани — акаси билан Гулнорнинг севги эртагини кампирдан тўла эшитди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёлғиз Тиктепа қишлоғидагина эмас, теварак қишлоқларда ҳам мулла Обиднинг эртаги, экиндаги муваффақияти оғиздан оғизга юриб кетди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЭРТАКЧИ Эртакка уста одам, эртак айтувчи.

ЭРТАЛАБ Куннинг бошида, тонг отгандан кейин, эрта билан. *Эрталаб йўлга чиқдик. Улар эрталаб бизникига келишди.* ▬ *У бу хабарни эртага эрталаб қайси йўсин билан бекка билдириш йўлларини ўйлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭРТАЛАБКИ Эрталаб бўладиган, эрта билан амалга ошириладиган, қилинадиган, бошланадиган, юз берадиган. *Эрталабки чой. Эрталабки воқеа. Эрталабки қуёш нури. Эрталабки гимнастика. Эрталабки туман. Эрталабки поезд. Эрталабки иш кўнгилни қилар хуш.* Мақол.

ЭРТАЛИК 1 Эрта билан ўтказиладиган йиғилиш (кўпинча болалар учун). *Навоийга бағишланган эрталик. Байрам шарафига боғчада эрталик ўтказмоқ.*

2 Эртаги кунга оид; эртага бўладиган. *Кунлик ишга якун ясалиб, эрталик вазифалар белгилаб олинди.* Газетадан.

ЭРТАМАТАН *шв.* Эрта билан, эрталаб. -*Кўп вайсамай, ечиниб ёт, эртаматан кўзингни очолмай қоласан тағин, — деди чол Мардоновга.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

ЭРТА-МЕРТАН *шв.* Эрта билан, эрталаб. *Эрта-мертан жўнаб кетсам, говгум — ётарларда келиб қоларман.* «Муродхон».

ЭРТАН *шв.* **1** Эрталаб. *Оқшом палов, эртан чой.* «Равшан».

2 Эртага. *Шоҳим, бу мардуднинг тилини кесмасангиз, эртан сизга атаб ҳажв битмоқдан тоймас.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭРТАНГИ 1 Эртага бўладиган, эртаси куни амалга ошириладиган, рўй берадиган. *Эртанги кун. Эртанги мажлис. Эртанги ишга бугун режа туз.* Мақол. ▬ *Бу кунги фойда гўшт бўлса, эртангиси нуқул мой бўлиши аниқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эрталабки, эрталаб бўладиган. *Дастурхон ёзилиб, эртанги нонушта учун дамлаб қўйилган чой олиб келинди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Қани, марҳамат, эртанги*

насиба, — деди нотаниш киши бизни анжирга таклиф қилиб. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Келаси, бўлғуси. *У [онанг] ҳам доим руҳимни кўтариб, эртанги яхши кун билан овутарди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Эртанги раис ҳам, боғбону пахтакор ҳам ўқувчилар!* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 *қ.* **эртаги 2**. *Майда эгатларда сув ялтираб оқар, рўмол танғиган хотинлар, чамаси, эртанги карам экишарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЭРУВ 1 Эримоқ фл. ҳар. н. *Эрув вақтида ярим белдан лой кечишга тўғри келадиган кўчаларнинг лойи қатқалоқланган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *айн.* **эрувгарчилик**.

ЭРУВГАРЧИЛИК Қиш ёки илк баҳор кунлари ҳаво исиб, қор-муз эрийдиган жараён, вақт. *Бу сойнинг сув миқдори тоғдаги эрувгарчилик ва ёғин-сочинга боғлиқ.* С. Кароматов, Олтин қум. *Гўё кўклам эрувгарчилигида дарё музи кўчгандай қасир-қусур бошланиб, кетидан.. қаттиқ гумбурлаш бошланди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЭРУВЧАН Яхши эриш хусусиятига эга.

ЭРУВЧАНЛИК Модданинг эриш қобилияти, хоссаси. *Металларнинг эрувчанлиги.* ▬ *Газларнинг сувда эрувчанлиги температуранинг кўтарилиши билан камаяди.* «Кимё» дарслиги.

ЭРУВЧИЛИК *айн.* **эрувгарчилик.**

ЭРУДИЦИЯ [*лот.* eruditio — ўқимишлилик, билимдонлик; билим, маълумот] Бирор соҳада кенг маълумотга эгалик, билимдонлик. *Очилнинг нутқи, эрудицияси яхши эди..* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЭРУР *эск.* Тўлиқсиз феълнинг сифатдош шакли, боғлама вазифасини бажаради; =дир. *Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.* Муқимий.

ЭС 1 Одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти; ақл, онг, мия. *Эси паст. Эси бутун. Эсинг борми (жойидами, ўзингдами)? Эсинг борида эл тани, Кучинг борида ер тани.* Мақол.

Эси кетган *айн.* **эсини еган.** *Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади.* «Қанотли сўзлар». **Эси кетди** 1) бирор ишнинг, гап-сўзнинг жуда иштиёқ билан, берилиб, давомли тарзда бажарилиши, айтилишини билдиради. *Дорим билан тузалиб кетганлар мени «доктор она», деб эслари кетишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кимсан ҳам уч кундан бери нормани ошириб бажаряпти. Прораби мақтаб эси кетяпти.* А. Мухтор, Туғилиш; 2) бирор иш билан қаттиқ, ҳолдан тойиш даражасида машғул бўлишни, ҳолдан тойиш даражасига келишни билдиради. *Эскини ямагунча эсинг кетади.* Мақол. ▬ *Нозанин қиз.. нуқул илгариги бошлиқнинг бу кабинетни безатгунча эси кетганлиги ҳақида гапирарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Эси кирар-чиқар бўлмоқ** Фикрлаш қобилияти бузилмоқ, бир меъёрда фикрлай олмаслик. *Абдуллахон мағрурликка берилганиданми ёинки қартайиб, эси кирар-чиқар бўлиб қолганиданми, Россия подшоҳининг соғлиғини сўрашни унутиб қўйди.* М. Осим, Элчилар. **Эси** (*ёки* **эсдан**) **оғмоқ** Эс-ҳушини йўқотиш даражасига тушмоқ. *Менинг бу ҳангамалардан эсим оғиб қолаёзган эди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Чарос билан охирги марта кўришганидан буён ўтган бир ярим ой ичида эсдан оғиб қолмаганига.. ўзиям ҳайрон бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Эсим қурсин** Бирор нарса эсга келмаганда ёки адашилганда айтиладиган ибора. -*Вой, эсим қурсин! — Зулайҳо.. стулни чаққонлик билан олиб, Гавҳарнинг олдига сурди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Эсини еган, эсингни едингми** Ақл билан иш қилмаган, нотўғри, номақбул иш қилаётган одамга нисбатан қўлланади. *Бу ишга эсини еган одам аралашади.* ▬ *Эсингни едингми, оч!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Эсини танимоқ** Эс-ҳушли бўлмоқ, шундай ёшга етмоқ. *Эсини танибдики, одам бўлсам, нимадир яхши иш қилсам, дейди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳали эсимни таниб, биров менинг шахтимни ҳам, илтимосимни ҳам қайтармаган..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Эсини топмоқ** Маълум ёшга етгач ёки бирор воқеа-ҳодисадан кейин ақли кирмоқ, ақлли ва тўғри мулоҳаза юритадиган бўлиб қолмоқ.

2 Ёдда сақлаш, қайта тиклаш қобилияти; ёд, хотира. *Эсида бор. Эсимда йўқ. Эсида қолмади. Эсдан чиқармоқ. Эсда тутмоқ (сақламоқ).*

Эсга олмоқ 1) эсламоқ, эсга туширмоқ. *Хола Тошкентга кўчиб келгандан бери эсига олмаган Фарғонасини эслади шу кун.* «Гулдаста»; 2) ўйламоқ, ҳисобга олмоқ. *Ёрмат.. боплаб сўкишни мўлжаллади-ю, лекин қаер-*

да, кимлар ўртасида турганини дарҳол эсига олиб, товушини ҳалқумида бўғди. Ойбек, Танланган асарлар. **Эсга солмоқ** (*ёки* **туширмоқ**) Эслатмоқ, хотирга келтирмоқ. *Шаҳзоданинг эри.. беш халта олтини йўқолган судхўр ҳиндини эсимга соляптими?* К. Яшин, Ҳамза. **Эси чиқиб кетмоқ** Ниҳоятда қўрқувга тушмоқ; қўрқмоқ. *Қаерлардадир даҳшатли бақириқ.. эси чиқиб кетган хотинларнинг хунук фарёди эшитиларди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Эсига келмоқ** 1) эсида бўлмоқ, ўйламоқ. *Ҳой Шоди, бу кўмир эсингга келадими ўзи, уйда тирноқдай ҳам кўмир қолгани йўқ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) хотирасига келмоқ, ёдига тушмоқ. *Кейин бир воқеа эсига тушиб, мийиғида кулиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Эсига тушмоқ** Хотирида тикланмоқ. *Навбат Акмалга келганда, тўсатдан Эшмат ака воқеаси эсига тушиб, юраги шув этди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЭСА 1 Боғлама вазифасини бажаради; бўлса. *..бурни бир оз беўхшовроқ эса-да, лекин унинг умуман юз бичими келишган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шахс, нарса, ҳодисалар кетма-кетлигида ўзи бирикиб келган сўз билдирган шахс, нарса ёки ҳодисани бошқаларига нисбатлаб, ажратиб қайд этади. *Мен эса уни овунтиришга, юпатишга уринардим.* «Гулдаста». *Қирқинчи йиллардан кейин эса умуман геологлар бормаган.* С. Кароматов, Олтин қум. *Мисрда рўй берган мана бу воқеа эса ҳаммасидан ошиб тушади.* «Фан ва турмуш». *Ундан нарида эса «устод» Мирсалимов чала бўғизланган қўйдек пихиллаб хуррак отарди.* «Гулдаста».

3 *шв.* Ундай бўлса, у ҳолда. *Эса, Оққиз, бориб сен ҳам кўриб кел-чи.* «Равшан». *Чойхоначи юзига фотиҳа тортиб насиҳат қилди: -Эса, бундайин ўтирма..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭСАЙМОҚ *шв.* Эси кирмоқ, эс-ҳушли бўлмоқ. *-Қизим бўйига етган, эсайган, ўз эрки ўзида, чақириб сўранглар! — дебди.* «Эртаклар».

ЭСАНКИРАМОҚ Довдирамоқ, гангимоқ, саросимага тушмоқ, саросимада қолмоқ; эсини йўқотмоқ. *Қийинчиликлар олдида эсанкирамаслик. Ютуқлардан эсанкирамоқ.* ▬ *Укасининг мантиқи қаршисида Ҳакимбойвачча ҳам эсанкираб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Имтиҳонда оғир саволга дуч келгандай эсанкирадим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЭСАР *шв.* Эси паст, тентактоб, овсар. *Эсарнинг эртаси кўп.* Мақол. ▬ *Бир ўғлим эсар, бир қизим майиб туғилди.* Газетадан.

ЭСВОС Эси пастроқ, эси кирали-чиқали, чала жинни.

ЭСДАЛИК 1 Эсда қолган таассурот, хотира. *Отам шу мавзуда ўз эсдаликларидан бир воқеани нақл қилди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Асқар Аминовичнинг гаплари кўнглининг энг чуқурида ётган эсдаликларини яна қўзғаб, хаёлини ағдар-тўнтар қилиб юборган эди.* О. Ёқубов, Излайман.

Эсдалик дафтари 1) таассуротларни ёзиб қолдириш учун қўйилган дафтар (мас., музейда, кўргазмада); 2) хотиралар ёзиб бориладиган кундалик дафтар. *Чанг босиб ётган эсдалик дафтаримни яқинда эски китоблар орасидан топиб олдим.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Хотира рамзи ёки хотира бўлиб қолган нарса; ёдгорлик. *Бободан қолган эсдалик. Эсдалик совғалар.* ▬ *Бу жойларни расмга олиб қўйсангиз, яхши бўларди. Ҳаммамизга эсдалик бўлиб қоларди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Халқимиз, авлодларга эсдалик бўлсин, деб чинор экади.* Газетадан.

ЭСИЗ 1 *унд. с.* Ачиниш, афсусланишни билдиради; аттанг, афсус. *Шундай қилиб, ёзнинг бутун кўркамлиги иш билан ўтиб кетди. Эсиз-эсиз.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Сиз уйда экансиз, билсам, дафтаримни олиб келар эканман.. эсизгина..* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

2 *мод. с.* Афсус(ки). *Алишер! Чинданам шерсиз. Буюк шер. Фақат кўпдир, эсиз, кўп душманингиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 Увол, хайф. *Эсиз шунча меҳнат. Қўшнига берсам — эсиз ошим, уйда турса — сасир ошим.* Мақол. ▬ *Э, хотинчалиш бўлмай ўл, эсизгина бўй-баст!* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЭСИРИК *эск.* Маст, маст-аласт.

ЭСИРИКМОҚ *эск.* Маст бўлмоқ, кайф қилмоқ.

ЭСИРМОҚ *кам қўлл. айн.* **эсирикмоқ.**

ЭСКАДРА [*фр.* escadre] **1** Бир ёки бир неча турдаги ҳарбий кемаларнинг йирик оператив-тактик қўшилмаси. *Миноносецлар эскадраси.*

2 Айрим хорижий мамлакатлар ҳарбий ҳаво кучларида самолётлар ва ракеталарнинг тактик қўшилмаси.

ЭСКАДРИЛЬЯ [*фр.* escadrille] Бир неча звено ёки отряддан иборат, асосан ҳарбий ҳаво флоти (10 тадан 30 тагача самолёт, вертолёт) бўлинмаси. *Бомбардимончилар эскадрильяси.* ▬ *Штурман Жерар – француз. У «Нормандия-Неман» эскадрильясида менинг ҳалок бўлган акам билан бирга хизмат қилган.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

ЭСКАДРОН [*фр.* escadron] 20-аср ўрталаригача мавжуд бўлган, бир неча взводдан иборат отлиқ аскарлар бўлинмаси. *Жанговар эскадрон.* ▬ *Ҳов узоқдан тўзон кўтарилди. Туёқ товуши! Эскадрон чопар.* А. Мухтор.

ЭСКАЛАТОР [*ингл.* escalator – ҳаракатланувчи зинапоя < *лот.* scala – нарвон, зинапоя] Метро, катта магазин ва ш.к. да одамларни юқорига чиқариш ва пастга тушириш учун хизмат қиладиган, узлуксиз ҳаракатланувчи поғоналардан иборат қия зина. *Метро эскалатори.* ▬ *Энг қувончлиси 3-қаватгача эскалаторда чиқасиз.* Газетадан.

ЭСКАЛАЦИЯ [*ингл.* escalation – зина билан юқорига кўтарилиш] Бирор нарса ёки ҳодисанинг аста-секин тадрижий равишда кучайиб, зўрайиб, кўпайиб бориши ёки бирор нарсани аста-секин зўрайтириш, кучайтириш, кўпайтириш.

ЭСКАРМОҚ *эск.* Эсламоқ.

ЭСКАРТИШ *эск.* **1 Эскартмоқ** фл. ҳар. н. **2** *айн.* **эскартма**.

ЭСКАРТМА *эск. айн.* **эслатма**.

ЭСКАРТМОҚ *кам қўлл.* Эскартма бермоқ, эслатмоқ.

ЭСКИ 1 Янгилик сифати кетган, яроқлилик даражасини маълум даражада йўқотган. *Эски чопон. Эски этик. Эски кўрпа. Эски кийимнинг иссиғи йўқ.* Мақол. *Олтин, кумушнинг эскиси бўлмас.* Мақол. *Янгини эски сақлар.* Мақол. ▬ *Қозиққа осилган, чанг босган эски дўппидан бошқа ҳеч нима йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сидиқжон қайтиб келганида.. ток остидаги эски сўрида сочилиб ётган беҳиларга кўзи тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Кўҳна, кўп вақтлардан бери маълум бўлган, кўп вақтдан бери турган (янгисига нисбатан). *Тошкентнинг эски ва янги шаҳарларида тўплаб [тўпи билан] сотувчи икки газлама дўкони.. унга қарайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Довон ошмаймиз. Айланма йўл билан олиб келиб, эски изига соламиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Ўтган вақтга оид, аввалдан маълум; ўтган. *Эски йил.* ▬ *Ҳозир эски замон эмас, бунақа нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўқ.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *[Абдишукур] Энг сўнгги хабарлар билан эски хабарларни аралаштириб, бирмунча маълумот берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Аввал ҳам бўлган, эскидан маълум. *Авазнинг эски қадрдони.. Ҳасан қайғичи хон амалдорлари ҳақида ичагузди ҳангомалар айтарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Нима бўларди, домламиз Латиф Боқизоданинг эски дарди қўзғади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Латофатхон.. эски танишдай, Саодатхонни гапга сола бошлади.* С. Зуннунова, Янги директор.

5 Эски усулдаги; эскича. *Тўйнинг таърифини эшитдим. Эски тўйга боргани номус қиламан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Бу маҳалланинг шумтака эркак болалари «келин чимчилаш» деган эски одатга жуда риоя қилишар экан.* Ойбек, Танланган асралар.

6 Бундан (ҳозиргидан) олдинги; аввалги, собиқ. *Эски директор.*

7 Истеъмолдан чиққан, эскирган ёки бекор қилинган. *Эски алифбо. Эски пул.* ▬ *Зиёдахон баъзан эски сўзларга тили келишмай ва баъзи жумлаларни маъносига мос келмайдиган оҳангда ўқиб, тингловчиларга уқтира олмагани учун, ҳикоянинг давомини Иброҳимовнинг ўзи ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 Кўпни кўрган, ҳаёт тажрибаларига эга бўлган, кўпдан маълум. *Сув мутахассиси, жуда эски мироблардан, ирригациянинг пири.* Газетадан. *Юрган жойи неча тоғу дашт экан, Эски киши кўп одамга бош экан.* «Юсуф ва Аҳмад».

Эски гап 1) маълум гап, ҳаммага маълум нарса, воқеа. *Эски гапни қўй.. Хоҳлайди, хоҳламай қаёққа борарди.* С. Аҳмад, Сайланма; 2) ҳадеб такрорланадиган иш. *Ҳали ҳам эски гапми? Ҳей, менга қара, бола! Нега урасан Қўзибойни?* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Эски тос, эски ҳаммом** Илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

ЭСКИДАН Аллақачонлардан бери, узоқ вақтлардан буён; азалдан, қадимдан. *Улар*

эскидан қалин оғайни. Эскидан қолган эртак. ▬ *Бу ерда эскидан пахта экилади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЭСКИДЎЗ Эски оёқ кийимларини ямаб сотувчи; ямоқчи.

ЭСКИЗ [*фр.* esquisse – хомаки нарса] Бадиий асар, иншоот, механизмнинг ёки унинг бирор қисмининг дастлабки, хомаки, қоралама нусхаси, чизмаси ёки режаси. *Портретнинг эскизи. Эскиз чизмоқ.* ▬ *Блокнотларнинг бирида Акромжоннинг қалам билан чизган эскизлари, этюдлари бор эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Композициянинг бир неча вариантлари эскизларини яратдим.* Газетадан.

ЭСКИЛИК 1 Эски ҳолат, эски эканлик. *Кийим тоза бўлса, эскилиги билинмайди.* ▬ *Мойлагани билан, бари бир, эски эскилигини қилиб, йиртиғи билиниб турибди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Ўтмишга, эски замонларга мансуб, урфдан чиққан, ҳозирги (янги) шароит талабларига жавоб бермайдиган, унга зид урф-одат, расм-русум, тартиб ва ш.к. *Эскилик сарқити. Эскиликдан юз ўгирмоқ.* ▬ *Ҳар қандай янгилик эскиликнинг қаршилигига учрайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Уйимизнинг орқаси қалин терак, ёр-ёр. Совчи деган эскилик кимга керак, ёр-ёр.* «Қўшиқлар».

ЭСКИМО [*фр.* esquimau – эскимос халқи номидан] Шоколад қобиққа ўралган музқаймоқ. *Тарелкадаги эскимо секин-секин камая борди.* Н. Назаров, Замон.

ЭСКИМОС *қ.* **эскимослар.** *Эскимос аёл.*

ЭСКИМОСЛАР Осиёнинг шарқи-шимоли, Шимолий Америка ва Гренландияда яшовчи халқ.

ЭСКИМОҚ *айн.* **эскирмоқ**. *Кийган тўнинг эскийди, кийдирганинг эскимас.* Мақол. ▬ *Вино қанча эскиса, мазаси шунча ошади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЭСКИРМОҚ 1 Ишлатилиб, тутилиб эски бўлмоқ, тўзимоқ ёки яроқсиз ҳолга келмоқ. *Эскирган тўн. Эскирган машина.* ▬ *Темирчининг икки хонадан иборат уйи эскириб кетган ва пастқам эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шипи шарқча нақшдор уй, нақшлар эскириб, ранги хиралашган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Давр талабларига мос келмайдиган бўлиб қолмоқ; истеъмолдан чиқмоқ, урфдан, модадан қолмоқ. *Эскирган дарслик. Эскирган сўз.* ▬ *Чўлнинг, йиллар ўтса ҳам, эскирмаган тартиб-қоидалари бор.. чўпон халқи.. унга бўйсунади.* Газетадан.

3 Яшаш, фаолият муддати узаймоқ. *Оила эскирган сари эр-хотин олтин ва гавҳарга айланиб боради.* Газетадан.

ЭСКИ-ТУСКИ Ҳар хил эски, яроқсиз нарсалар, лаш-луш, қақир-қуқурлар. *Ҳовлидаги хоналарнинг.. деразаларига эски-тускилар тутиб қўйилган.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *[Майрамхон] Эски-туски темир-терсакларни бир симдан ўтказиб, бошига кийиб юрар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЭСКИФУРУШ Эски-туски нарсаларни олиб сотувчи. *Устида увада чопон, буни бозорда ёлғиз эскифурушлар олиши мумкин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭСКИЧА Эски, илгариги вақтга мансуб бўлган, илгариги одат, расм, тартиб ва ш.к. га мос келадиган; қадимгича. *Эскича тўй. Эскича усул. Эскича гап. Эскича кийинмоқ. Эскича ишламоқ.* ▬ *Бу гапингиз нотўғри, қори, сизнинг илмингиз эскича илм.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кам қўлл.* Аввалгидек. *У онасининг бу киноясини кулгилик билан кечириб, яна эскича аразда қола берадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..юқорига чиқишга қистаса ҳам, кавушини ечмай, эскича ўтира берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭСКИЧАСИГА Эски урф-одатларга мос равишда; қадимгича, бурунгидек. *Янгичасига айтганда, мен қизингизни хоҳламайман, эскичасига керак бўлса – уч талоқ қўйдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭСКИЧИ *айн.* **эскифуруш.**

ЭСКУДО [*исп.-порт.* escudo – герб] Евро жорий қилингунга қадар Португалиянинг асосий пул бирлиги.

ЭСЛАМОҚ 1 Ёдида тутмоқ, хаёлидан ўтказмоқ, эсга олмоқ. *Унинг ишхонасига дадаси билан бир марта борган, йўлни эслаб қолган эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Эсига келмоқ (келтирмоқ), эсига тушмоқ, хотирасида тикламоқ. *Мен уни аллақаерда кўргандайман. Эслолмаяпман.* С. Зуннунова, Янги директор. *Қизнинг кулдиргичига, лаби устидаги чиройли холига кўзи тушиб, Навоийнинг бир байтини ногоҳ эслади.* К. Яшин, Ҳамза.

ЭСЛАТМА 1 Матннинг алоҳида изоҳ талаб қилган ерига берилган тушунтириш.

Эслатмалар ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда бўлиши мумкин. Китобнинг охирида берилган эслатмалар.

2 Огоҳлантириш мазмунидаги, алоҳида қайд этувчи сўз, жумла; шундай мазмунли қоғоз, хат. *Яна янги буйруқ, анкет(а), кўрсатма, «Бажарилсин!» деган қаттиқ эслатма. Ҳаммасида «чорва» деган сўзлар бор.* А. Пўлат, Тасаддуқ.

ЭСЛАТМОҚ 1 Эсламоқ 1 фл. орт. н. *Ваъдани эслатмоқ. Ўтган гапни эслатмоқ.*

2 Ўхшашлиги билан ёки муайян боғлиқлик, қиёслаш орқали эсга туширмоқ, хотирага келтирмоқ. *Унинг эҳтиёткорлиги «Синамаган отнинг сиртидан ўтма» деган халқ мақолини эслатди.* ▬ *Йўлдош Ойнисага кўп жиҳатдан Тоштемирни эслатади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЭСЛИ Ақл-ҳуши жойида, ақли бутун. *Эсли қиз.* ▬ *Бу болани, эсли деб, уйда қолдириб кетган эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Акрам қилни қирқ ёрган эсли йигитлардан эмасми..* С. Анорбоев, Оқсой.

ЭСЛИ-ҲУШЛИ *айн.* **эс-ҳушли.**

ЭСМИНЕЦ [*р.* «эскадренный миноносец» бирикмасининг қисқарган шакли] Эскадра миноносеци. *Битта эсминец пулига тўрт минг оила уй-жой қуриб олса бўлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЭСМОҚ 1 Ҳаво оқими тарзида юрмоқ, урмоқ, ўтмоқ (шамол ҳақида). *Тоғ томондан қор изғирини эсмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Енгилгина эсган шамол димоққа турли ўт-ўлан исларини келтириб урар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Юзага келмоқ, юз бермоқ, пайдо бўлмоқ. *Эшик очилиб, Жўра кўрингач, Каримовда кичкинагина қўрқинч ҳолати эсди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЭСНАМОҚ Ихтиёрсиз ҳолда оғизни очиб, чуқур нафас олиб чиқармоқ; ҳомуза тортмоқ. *Оғзини катта очиб эснамоқ.* ▬ *Олди одамлар уйқу босиб, кафтларига эснай бошлаган эдилар.* С. Аҳмад, Уфқ. *Анзират хола.. оғзини катта очиб эснади..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭСНАШ 1 Эснамоқ фл. ҳар. н.

2 *айн.* **эснօқ**.

ЭСНОҚ Эснаш ҳолати; ҳомуза. *Вақт ўтиши билан бойлик мавзуси уни зериктира бошлади, келган эснօқни юта олмай, ҳомуза тортди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Эснօқ босмоқ Эснаш ҳолати хуруж қилмоқ. *Мени.. қўлимга қалам-қоғоз олдим дегунча эснօқ босади.* «Муштум».

ЭСОН 1 Соғ-саломат, соғ-омон. *Эсонмисиз?* ▬ *Масковдан нима олиб келай сенга? — Ўзингиз эсон қайтсангиз, бас.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Эсон (эркаклар исми).

ЭСОНЛАШМОҚ Ҳол-аҳвол сўрашмоқ; саломлашмоқ, сўрашмоқ. *Мен билан ийманиброқ, бош қимирлатиб эсонлашиб қўя қолди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

ЭСОНЛИК Эсон, соғ-саломат ҳолат. *Эсонликда давлат учун ғам ема.* Пўлкан шоир. *Эсонлик бандага бир ғаниматдир..* «Ойсулув». *Соҳиб қори рюмкани қўлига олиб.. «Эсонлик бўлсин, тинчлик бўлсин», деб чўқиштирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЭСОН-ОМОН 1 Соғ-саломат, соғ-омон. *Ҳамма эсон-омон. Эсон-омон бориб келинг.*

2 *кўчма* Бирор кор-ҳолсиз, ниятдагидек. *Райҳонбиби ишнинг эсон-омон битганидан енгил тортди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭСОНЧИЛИК *с.т.* Эсонлик, эсон-омонлик, эсон-соғлик. *Эсончилик бўлса — кўришармиз.*

ЭСПАНДЕР [*лот.* expandere — кенг очмоқ, кермоқ; чўзмоқ] Ўзаро бир неча резина чилвир ёки пружина билан бириктирилган иккита тутқич (даста)дан иборат, уни чўзиш билан қўл, кўкрак ва елка мускуллари чиниқтириладиган спорт анжоми.

ЭСПЕРАНТО [*эсперанточа* esperanto — ишонувчан] Варшавалик кўз шифокори ва таржимон Л. Заменгоф томонидан 1887 йилда яратилган сунъий халқаро тил (сўз асослари кенг тарқалган европа тилларидан олинган, лотин алифбосидан фойдаланади).

ЭССЕ [*фр.* essai — тажриба, машқ; хомаки нарса] *ад.* Адабий, фалсафий, ижтимоий, публицистик ва б. мавзуларда ёзилган, муаммолар систематик илмий тарзда эмас, балки эркин шаклда талқин қилинадиган насрий асар.

ЭССЕНЦИЯ [*лот.* essentia — энг муҳим, асосий; негиз, моҳият] Бирор модданинг ўткир, қуюқ эритмаси ёки дамламаси (ишлатишдан олдин суюлтирилади). *Сирка эссенцияси.*

ЭССИЗ I *с.т.* Эсиз. *Нодонга сўзлаган эссиз сўзим, Ўликка йиғлаган эссиз кўзим.* Мақол. ▬ *Эссиз, эссиз.. халқ олдида тикка қи-*

либ қўйиб, суд қилинмади-да! П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭССИЗ II **1** Эс-ҳуши ўзида эмас. *Муҳаммад Жамол маҳбубасидан айрилиб, эссиз, ҳушсиз қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хотираси суст, ҳеч нарсани эслаб қололмайдиган.

ЭСТАКАДА [*фр.* estacade – қозиқларга ўрнатилган кўприк] *махс.* Транспорт воситалари ва пиёдалар ўтиши, алоқа линиялари, турли мақсадларга мўлжалланган қувурлар ўтказиш, юклаш-тушириш ишларини амалга ошириш учун ер юзасидан маълум баландликда, дарёлар ва сойлар устида қуриладиган, бир неча устунлар устига ўрнатилган тўсинсимон конструкциялардан иборат кўприксимон иншоот. *Эстакадага гувуллаб кириб келган самосваллар суюқ бетонни бадяларга билқиллатиб тўкарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЭСТАФЕТА [*фр.* estafette – чопар, хабарчи < *итал.* staffa – узанги] **1** Енгил атлетика, сувда сузиш, чанғи спорти кабиларда кўпинча тўрт кишидан иборат спорт жамоаси белгиланган масофани бир-бири билан алмашиб ва бир-бирига рамзий таёқчани узатиб босиб ўтишдан иборат пойга мусобақаси. *Чанғичилар эстафетаси.* ▬ *Эстафетада қўлига калтакча тегиши билан бирдан чопишни тезлатган чопқирдек, Содиқ автоматни илиб олган замон ўт очди.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

2 Шундай мусобақада қўлдан қўлга узатиладиган нарса (одатда ёғоч таёқча). *Эстафета биринчи этапдан бошлаб, то охирги этапгача қўлма-қўл узатилади.* ▬ *Бизнинг штангачиларимиз мерганлар қўлидан олган эстафетани муваффақиятли олиб бордилар.* Газетадан.

3 *кўчма* Авлоддан авлодга ёки отадан болага ўтадиган фикр, ният, орзу, анъана ва ш.к. *Бу орзу [сув орзуси] бамисоли эстафета каби отадан ўғилга, ўғилдан набирага.. авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.* Ш. Рашидов, Дўстлик байроғи.

ЭСТАФЕТАЧИ Эстафета қатнашчиси. *..гуллар билан безанган майдонлар учради, саф тортган болалар, майкасида номери бор эстафетачи қизлар ўтиб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

ЭСТЕТ [*юн.* aisthetes – ҳис қилувчи] Санъат ва адабиёт асарларига эстетизм нуқтаи назаридан ёндашадиган, санъатнинг фақат ташқи шаклларигагина эътибор берадиган одам, эстетизм тарафдори (*қ.* **эстетизм**).

ЭСТЕТИЗМ 1 Санъатда мазмунни ва ғоявийликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ташқи шаклларга берилиш.

2 Эстетика талабларига жавоб берадиган нарсаларни, гўзалликни, нафис санъатни, етук бадиий шаклларни севиш.

ЭСТЕТИК Эстетикага оид; эстетика талабларига мос келадиган. *Эстетик дид. Эстетик завқ. Эстетик тарбия.*

ЭСТЕТИКА [*юн.* aisthetikos – ҳиссий идрокка (билишга) оид] **1** Нафис санъат ва бадиий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳияти ва шаклларини, инсон ва олам ўртасидаги қадриятлар муносабатини ўрганувчи фалсафий фан.

2 Бирор нарсанинг гўзаллиги, нафосати, латофати. *Техника эстетикаси.*

ЭСТОН 1 Эстония Республикасининг туб (асосий) аҳолисини ташкил этувчи халқ(миллат)нинг номи. *Эстон халқи.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб. *Эстон тили.*

ЭСТОНЛАР Эстония халқи; угро-финн халқлари гуруҳига кирадиган халқ.

ЭСТОНЧА 1 Эстон халқи, тили, адабиётига ва маданиятига оид. *Эстонча рақс. Эстонча кийим.*

2 Эстон тили. *Эстонча(ни) биласизми? Эстонча сўзлашмоқ.*

ЭСТРАДА [*фр.* estrade < estrado – тахта супа, минбар] **1** Артистлар ва оркестр концерт-томошалари учун белгиланган саҳна, баланд жой, супа. *Эстрадага чиқмоқ.*

2 Оммавий саҳна санъатининг ашула, рақс, акробатика, бадиий ўқиш, кичик-кичик драматик ва кулгили асарлар ва ш.к. ни ўз ичига олган бир тури ҳамда шулар асосида ташкил этилган концерт-томошалар. *Ўзбек давлат эстрадаси. Эстрада оркестри.*

ЭСХОНА: **эсхонаси чиқиб** (*ёки* **ўйнаб**) **кетмоқ** Жуда ҳам қўрқиб кетмоқ, каттиқ қўрқмоқ. *Чиндан ҳам ўғлининг шарпасини эшитиб, даҳлизда пайдо бўлган онасининг эсхонаси чиқиб кетди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. **Эсхонаси тескари бўлмоқ** *айн.* **эсхонаси чиқиб кетмоқ**. *Бай-бай, қўрққанимдан эсхонам тескари бўлиб кетаёзди-я!* К. Яшин, Ҳамза.

ЭС-ЭС: **эс-эс билмоқ** (*ёки* **эсламоқ**) Элас-элас билмоқ, ғира-шира эсламоқ, ноаниқ, зўрға хотирага келтирмоқ. *Отамни эс-эс биламан.* ▬ *Йўлдош Рашидни эс-эс эсларди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЭС-ҲУШ 1 Эс ва ҳуш, ақл, мия. *Унинг эс-ҳуши жойида эмас.*

2 Фикр-зикр, ўй-хаёллар. *Нурнисанинг эс-ҳуши — эрга тегиш.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ерда уч-тўрт кундан буён.. эс-ҳушим сизда.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭТ 1 *айн.* **гўшт 2, 3.** *Мол эти. Қўй эти. Хом эт. Шафтоли эти. Эти қизил қовун. Насия еманг этни, қизартиради бетни.* Мақол. ▬ *Сиз мана шу пулга гузардан бир чорак эт келтириб, шўрва қилиб берсангиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Одамнинг бадани; одам баданининг юмшоқ жойи, мушаклари. *Эти увишмоқ. Сўз суякдан, таёқ этдан ўтади.* Мақол. ▬ *Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таъқиб этди ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартак олишдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Бир парча эт Ҳали ҳеч нарсани билмайдиган, янги туғилган чақалоқ ҳақида. *Онажон! Бир парча эт эдим, Сен қилдинг одам.* Д. Файзий. **Бир қоп эт** 1) жуда семиз, турган-битгани гўшт; 2) ҳеч нарса қила олмайдиган, ҳаракатсиз одам ҳақида. *Умидсиз одам — бир қоп эт.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Эт билан тирноқ** Бир-биридан ажралмайдиган, ўзаро жуда боғлиқ. *Театр билан драматургни эт билан тирноққа қиёс қилиш мумкин.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Эт олдирмоқ** Озмоқ. *Онажонининг анча эт олдириб қўйганини кўрган ўғли Ҳамидулла ҳам тунлари навбатчилик қиларди.* М. Қўшоқов, Катта хирмон жилғаси. **Эт олмоқ** (*ёки* **солмоқ**) Семирмоқ. *Жониворлар мен йўғимда салкам ўн килодан эт олибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Булар эт солиб, танбаллашиб қолишган, уларни ишлашга мажбур қилиш керак.* А. Мухтор, Туғилиш. **Эти суягига** (*ёки* **устухонига**) **ёпишмоқ** Жуда озиб кетмоқ; суяги чиқмоқ. *Бир неча кун ичида Нодиржоннинг эти устухонига ёпишди.. пешонасида ажинлар пайдо бўлди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. *Самоварчи эти суягига ёпишган.. ғирт кўса одам эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Эти узилмоқ** Қаттиқ қалтис ейишдан мушаклари чўзилиб қолмоқ. *Кампир чўнқайиб, ўғлининг оёғини кўздан кечирди, аста ушлаб кўрди — ҳартугул чиқмаган экан, эти узилган бўлса керак.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. **Эти ўлмоқ** 1) бадани сезмайдиган бўлиб қолмоқ; 2) одатланиб, кўникиб қолмоқ. *Отабой бунақа пўписаларни эшитавериб, эти ўлиб қолганидан, писанд қилмади.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. **Этига (***ёки* **баданига) сув юқтирмаслик** Ўзига гап тегизмасликка, ўз иззат-ҳурмати, обрў-эътиборини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқ. *У этига сув юқтирмасликка уринди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл. **Этидан тушмоқ** Озмоқ, этини йўқотмоқ. *Чолнинг кўзига ранги ўчиб.. бир қават этидан тушгандай кўринди.* «Шарқ юлдузи». **Этини ташламоқ** *айн.* **этидан тушмоқ.** *Мингбоши келувчига олайиб қаради.. Соли совуқ бирдан икки энлик этини ташлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЭТАЖ [*фр.* etage — қават; поғона < *лот.* staticum — туриш] *айн.* **қават 2.** *Квартирамиз тўртинчи этажда.*

ЭТАЖЕРКА [*фр.* etagere — тиргак, устунча; пештахта < *лот.* staticum — туриш] Китоб териб қўйиш учун мосланган, бир неча қават токчали мебель тури. *Пўлатжон этажеркадаги қатор китобларга бир кўз ташлаб олди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЭТАЖЛИ *айн.* **қаватли.** *Кўп этажли уйлар.*

ЭТАК 1 Кийимнинг пастки, осилиб тушиб турадиган кенг қисми. *Кўйлакнинг этаги. Тўннинг этаги* ▬ *У гилваталик қўлини этаги барига артиб, Меъмор билан омонлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ота-бола чопонларининг этакларини бар уриб, қазувга жўнаб кетдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Баъзи нарсаларнинг этакка ўхшаш осилган пастки қисми. *Қуёш қишлоқ устидан этагини йиғиб олган, кеч кира бошлаган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Бир кун ҳамма ёқни рутубатли туман чулғайди, бир кун тунд борлиқ узра булут этагини судраб ўтади.* Газетадан

3 Матодан пахта териш учун махсус тикилган, бир томони бўйинга осиб, бир томони белга боғлаб олинадиган буюм. *Бир этак пахта.* ▬ *Қўли этак билан чаноққа худди бўзчининг мокисидай бориб келяпти.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Звено аъзолари сентябрнинг ўрталарида этак боғлаб, теримга тушдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 Баъзи нарсаларнинг, сатҳнинг чети, қуйи томони, охирги қисми. *Дала этаги. Саҳро этаги. Ҳовли этаги.* ▬ *Шаҳарнинг ҳар иккала томонида экин майдони бўлиб, этаги ўрмонга бориб тақаларди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Булоқдан эмас, этакда ҳайқириб оқаётган сойдан сув олиб келтирарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

5 Тоғ, адир, баландликларнинг пастки қисми; пастки қисмидаги жой, майдон. *Ёдгор оҳиста юриб, адир этагига тушиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тепаликнинг этагидан ҳар хил овозлар эшитилди.* «Ёшлик».

6 Ариқ, дарёнинг қуйи қисми; сувнинг қуйилиш жойи. *Зарафшоннинг этаги.* ▬ *Кўкиш ҳаво билан чулғанган жилға этагида бир қора пайдо бўлган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Вақт эътибори билан охирги қисм, охир, сўнг. *Февралнинг этакларида кун исиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Августнинг этакларига келиб, каналга сув очилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Бир этак бола Бирор аёл ёки оиланинг боласи кўплигини билдиради. *Отанг тирик ахир.. ортимда бир этак болам бор.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўзи далага чиққани билан уйида ишга яроқсиз бир этак боласи бор.* С. Зуннунова, Олов. **Енгидан кириб, этагидан чиқади** Ўта устомон, айёр одам ҳақида. **Эсинг борида этагингни ёп** Номақбул иш, йўл ва ш.к. дан вақт-ғаниматда қайтиш, мақбулига ўтиш керак, деган маънони билдиради. *-Йўқ, — деди полвон тўқайдан чиқаётиб, — эсинг борида этагингни ёп, бу йўлингдан қайт!* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Этаги очилмоқ** Сири очилмоқ, бирор айби, камчилиги маълум бўлиб қолмоқ. *Қуйинглар.. хотин йўлга чиқса, этаги очилади. Кулги бўласизлар.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Этагини тутмоқ** (*ёки* **ушламоқ**) 1) иш-фаолиятда бирор кимсага маҳкам суяниб, ундан қолмаслик. *Омон бува Ёдгоров каби ингичка толали пахта усталари бор. Ана шу оқсоқолларнинг этагини тут.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) бирор иш, касб ва ш.к. нинг пайидан бўлмоқ, уни эгалламоқ. *Оталари касби этагидан тутаётган фарзандларимиз қандини урсин.* Газетадан. **Этагини тутқизмаслик** Тутқич бермаслик. *Лекин уйқу этагини тутқизмай кетди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. *Қидирув бўлими ходимларининг усталик билан ишламаётганликларидан фойдаланиб.. яна этак тутқизмай кетган.* И. Қаландаров, Шохидамас баргида. **Этагини ўпмоқ** Муте бўлмоқ, айтганини қиладиган ҳолда бўйсунмоқ. *Юрт беклари яшаб ўтган, Ўпиб ёвнинг этагин.* «Шарқ юлдузи». **Этак йиртиш** *этн.* Унашиш, унаштириш маросими. *Оёғинг келишмаган, шумпешона экансан! Этак йиртиш қилиб қўйган куёвинг ҳаждан қайтмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Этак силкимоқ** Бутунлай умид узмоқ, кечмоқ. *Этак силкиб, Андижонга кетай десам, рухсат бермайдир.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мана, энди саройдан бутунлай этак силкиди-ю.. унут бўлаёзган эски дўконга келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Этак қоқмоқ** *айн.* **этак силкимоқ.** *Отаси.. телба тўнини тескари кийиб, этак қоқиб, уйидан чиқиб кетган.* «Муштум».

ЭТАКЛИ 1 Этакка эга бўлган, этаги бор. *Бурма этакли кўйлак.*

2 Этак тутган (*қ.* **этак 3**). *Далага бир нечта этакли талаба чиқди.*

ЭТАКСИЗ 1 Этаги, чети (чеки) йўқ (*қ.* **этак 4**). *Чўл, учсиз-этаксиз дашт. Дазмоллагандай теп-текис.* С. Нуров, Сув қўшиғи.

2 Этаги йўқ, беэтак (*қ.* **этак 3**).

3 Этак тутмаган.

4 *кўчма* Тайини йўқ, бетайин; уятсиз, шарманда. *..акамга айтиб, адабингни бердириб қўймасамми, сен, этаксиз, шошмай тур..* К. Яшин, Ҳамза.

ЭТАЛОН [*фр.* etalon — намуна] Бирор нарсанинг идеал намунаси, ўлчови ёки тури; ўлчов бирликларини ҳозирги кундаги фан ва техника эришган энг юқори аниқлик билан қайд этиш, сақлаш ва тарқатиш учун хизмат қилади. *Метр эталони. Бирламчи эталон.* ▬ *Ўтказгичларнинг қаршилигини ўлчаш учун, аввало, қаршилик намунаси, яъни қаршилик эталони танлаб олиниши керак.* «Физика».

ЭТАН [*юн.* aither — ҳаво, осмон; эфир] Нефть газлари ва табиий газлар таркибида учрайдиган рангсиз, ҳидсиз газ.

ЭТАП [*фр.* etape — ўтиш, тўхташ жойи] **1** Бирор нарса, ҳодиса, жараённинг алоҳида босқичи, даври. *Тараққиёт этаплари.*

2 *ҳарб.* Қўшинлар йўлидаги дам олиш, овқатланиш ва тиббий ёрдам олиш пункти.

3 *тар.* Сургунга олиб кетилаётган кишилар тўдаси, уларнинг йўлдаги қўниш жойи ва сургун жойигача бўлган йўл. *Икки ҳафтадан кейин Содиқни этап рўйхатига тиркадилар.* Шуҳрат, Олтин зангламас.

Этап қилмоқ Этап билан сургунга юбормоқ.

4 *спрт.* Югуриш мусобақалари, пойга ва эстафета йўлининг айрим қисми. *Биринчи этапни биринчи бўлиб француз спортчиси ўтди.*

ЭТДОР *кам қўлл.* **1** Этли, семиз, тўла, гўштдор. *Ҳожи хола узукни этдор синчалоғига ўтказа туриб ҳиринглади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эти қалин, серэт, этли. *Этдор шафтоли.*

ЭТИК Этикага оид; этика талабларига мос келадиган, ахлоқ меъёрларига жавоб берадиган; ахлоқий, маънавий. *Этик таълимот. Ахлоқнинг этик меъёрлари.*

ЭТИК Болдирни бекитиб турадиган узун қўнжли, пошнали пойабзал. *Амиркон этик. Ағдарма этик. Кирза этик. Хром этик. Этик мойи. Этик қўнжи. Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар.* Мақол. ▬ *Йўлчи этиги билан унинг [бойваччанинг] думбасига яна бир тепди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Икки оёғини бир этикка тиқмоқ (*ёки* **суқмоқ**) *қ.* **оёқ** I.

ЭТИКА [*лот.* ethica < *юн.* ethos – урф-одат, хулқ-атвор] **1** Ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитларини ва шаклларини ўрганувчи фалсафий таълимот.

2 Бирор синф, ижтимоий гуруҳ ёки бирор касб эгаларига хос одоб-ахлоқ, унинг меъёрлари ва қоидалари мажмуи. *Тасаввуф этикаси. Касб этикаси.*

ЭТИКДЎЗ Этик тикувчи уста, косиб. *Этикдўз сомсапазлик қилса, хўрандаларнинг шўрига шўрва тўкилади, деган нақл бор.* «Муштум».

ЭТИКЕТ I [*фр.* etiquette – одоб-ахлоқ; маросим тартиби] Бирор жамиятда, ижтимоий гуруҳ ва ш.к. да қабул қилинган ўзаро муомала, одоб-ахлоқ; маросим тартиби, қоидалари. *Сарой аҳлига хос этикет. Дипломатик этикет.*

ЭТИКЕТ II *кам қўлл. айн.* **этикетка.**

ЭТИКЕТКА [*фр.* etiquette – ёрлиқ < etiqueter – ёрлиқ ёпиштирмоқ] *айн.* **ёрлиқ 2.** *Раис энгашиб, булоқдан этикеткаси йўқ шишани олди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЭТИКЧИ *айн.* **этикдўз.** *Бой тикувчини сўкиб, қолипланган бир тоқа этикни унинг бошига чоғлаб отди. Этикчи бошини хам қилиб, бу ҳамлани рад қилди.* С. Айний, Қуллар.

ЭТИМОЛОГИК Этимологияга оид. *Этимологик белги. Этимологик луғат.*

ЭТИМОЛОГИЯ [*юн.* etymon – ҳақиқат, ҳақиқий маъно + logos – фан, таълимот] **1** Тилшуносликнинг сўзларнинг келиб чиқишини, манбаини ўрганадиган бўлими.

2 Сўзнинг манбаи, келиб чиқиши. *«Пул» сўзининг этимологияси.*

ЭТИОЛОГИЯ [*юн.* aitia – сабаб + logos – фан, таълимот] Касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ҳақидаги таълимот.

ЭТЛИ **1** Этдор, семиз, тўла. *Этли бола.* ▬ *Этлироқ йигитларнинг яктак елкаларидан бирмунча тер нишоналари кўринади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Эти қалин, гўштдор; ейишли. *Этли шафтоли.*

ЭТМОҚ I *ёрд. фл.* «Қилмоқ», «айламоқ» маъноларида қўшма феъл ясаш учун хизмат қилади. Мас., *давом этмоқ, ташкил этмоқ, касб этмоқ, лип этиб чиқмоқ, тап этиб тушмоқ, шув этмоқ, ялт этмоқ.*

ЭТМОҚ II *шв.* Айтмоқ. *Меҳмонга этмоқ.*

ЭТНИК [*юн.* ethnikos – қабилага, халққа алоқадор] Келиб чиқиш жиҳатидан бирор халққа оид, мансуб, хос бўлган. *Аҳолининг этник таркиби.* ▬ *Бу халқ ва миллатларнинг ўз тили.. ўзининг этник хусусиятлари бўлиб, ўлкамизда ягона дўстлик ва қардошлик оиласини ташкил этади.* Газетадан.

ЭТНОГЕНЕЗ [*юн.* ethnos – халқ + genesis – келиб чиқиш] Муайян халқнинг келиб чиқиши, насл-насаби, пайдо бўлиши.

ЭТНОГРАФ Этнография мутахассиси. *..тарихчилар, этнографлар, археологлар.. Ўрта Осиёни ўрганиш билан шуғулланадилар.* Газетадан.

ЭТНОГРАФИК Этнографияга оид. *Этнографик материал. Этнографик очерк.* ▬ *Ўзбекистон кашта санъати ва этнографик асарларда.. «зардевор»нинг «сардевор» шаклидаги талаффузи учрамади.* «ЎТА».

ЭТНОГРАФИЯ [*юн.* ethnos – қабила, халқ + grapho – ёзаман] **1** Тарих фанининг

халқларнинг келиб чиқишини, таркибини, жойлашишини, турмушини, расм-русумларини, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини кўпинча бевосита кузатиш йўли билан ўрганадиган бўлими.

2 Бирор халқнинг ёки бир ҳududдаги бир неча халқнинг турмуши, маданияти, урф-одатларига хос хусусиятлар мажмуи. *Ўрта Осиё этнографияси. Тарих-этнография кўргазмаси.*

ЭТНОНИМ [*юн.* ethnos – қабила, халқ + onyma – ном] Халқ, қабила, уруғ ва б. хил этник уюшмалар номи. *Кўпгина этнонимларнинг ўтмишда уруғ ва қабила бошлиқларининг номидан олингани шубҳасиздир.* «ЎТА».

ЭТНОС [*юн.* ethnos – қабила, халқ] Халқ, қабила; этник бирлик, умумийлик. *Гарчи тил асосий этник белгилардан бири ҳисоблансада, бу этноснинг ягона характерли кўрсаткичи бўла олмайди.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ЭТСИЗ 1 Эти, гўшти йўқ, гўшт солинмаган: гўштсиз. *Этсиз шўрва.*

2 Эти (гўшти) меъёрдагидан кам (бадан ёки ундаги бирор аъзонинг эти ҳақида). *У.. билаклари йўғон, гавдаси этсиз киши эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг офтобда пишган, этсиз, йирик ёноқли юзида.. томчилар юмаланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭТХЎР 1 *айн.* **гўштхўр**.

2 *кўчма* Одамхўр, қонхўр.

ЭТЮД [*фр.* etude < *лот.* studium – ғайрат қилиш; иш, машғулот] **1** Тасвирий санъатда: бирор нарсанинг ўзига қараб ишланган дастлабки, хомаки расм, скульптура, чизма (этюд катта асар учун материал бўлиши, шунингдек, мустақил асар бўлиши ҳам мумкин). *Раъно этюдларини ошхона деворига суяб қўярди. Йигитлар бўлса, этюдларидан ҳам кўра, кўпроқ ўзини кўриш пайидан эдилар.* А. Мухтор, Чинор.

2 Мусиқа ёки бошқа санъат асарининг машқ учун ёки мустақил ижод тариқасида ёзилган, созанданинг маҳоратини оширишга ёрдам берадиган бир тури. *Программа ўзбек халқ ўйинлари – дарбозлик, кураш.. аския, латифа, этюд ва яна бошқа оммавий санъат турларидан иборат бўлди.* Газетадан.

3 Бирор масалага бағишланган, унчалик катта бўлмаган илмий, танқидий руҳдаги асар тури.

4 Шахмат ва шашка ўйинида: кам сонли фигуралар билан ютиш ёки дуранг қилиш ечимини топиш учун бериладиган позиция, масала.

ЭФЕМЕР I [*юн.* ephemeros – бир кунли(к)] *қ.* **эфемерлар.**

Эфемер ўтлар *айн.* **эфемерлар**.

ЭФЕМЕР II Узоқ давом этмайдиган, вақтли, ўткинчи. *Агар иситма бир-икки кунгина чиқса, эфемер иситмалаш дейилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЭФЕМЕРЛАР Баҳорда униб чиқиб, тез (бир неча ҳафта давомида) уруғлайдиган ва ёзда қовжираб, қуриб қоладиган ўтларнинг умумий номи. *Баҳорда кўкариб, ёзда қуриб қоладиган ўтлардан эфемерлар шўрхок ерда кўп учрайди.* «Ўзбекистон географияси».

ЭФИР [*юн.* aither – ҳаво, эфир; ҳавонинг юқори, нурли қатлами] **1** *эск. физ.* 19-асрдан то 20-асрнинг 20-30-йилларигача ўтган физикларнинг тасаввурига кўра, юлдузлараро, планеталараро олам фазосини ва моддалардаги атомлараро, молекулалараро бўш жойларни тўлдирган қандайдир муҳит.

2 Осмоннинг, жаҳоннинг радиотўлқинлар тарқаладиган муҳитининг умумлашма номи. *Эфирга чиқмоқ. Эфирда эшиттирмоқ. Эфирдан келган хабар.* ▬ *Сен эй, сарҳад билмас эфир мавжлари, Дунёга ёй: Бугун қутлуғ айём, де.* Миртемир.

3 *ким.* Қўшалоқ углеводород гуруҳдан иборат хушбўй суюқ органик моддаларнинг умумий номи (тиббиётда эт ўлдирувчи дори, техникада эритувчи сифатида ишлатилади). *Содда эфирлар. Этил эфир.* ▬ *Кучли таъсир этадиган дориларнинг кўпи эфир ва алкоголь билан аралаш ҳолда тайёрланган бўлади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЭФИРЛИ Эфир берадиган, таркибида эфир бўлган. *Эфирли аралашма. Эфирли ўсимликлар.*

ЭФФЕКТ [*лот.* effectus – ҳаракат, фаолият; натижа] **1** Иш, фаолият ва ш.к. нинг натижаси. *Иқтисодий эффект. Даволанишдан олинган эффект.*

2 Мослама, қурилма ва ш.к. воситасида муайян таъсир, таассурот туғдирувчи восита, усул. *Шовқин эффекти* (театрда).

3 *физ.* Физик ҳодиса. *Фотоэлектрик эффект.*

ЭФФЕКТИВ [*лот.* effectivus – натижа берадиган, фойдали] Яхши амалий натижа,

эффект берадиган; унумли, фойдали. *Эффектив чоралар. Эффектив таъсир. Маблағдан эффектив фойдаланмоқ.*

ЭФФЕКТЛИ 1 *айн.* **эффектив**.

2 Кучли таъсир кўрсатадиган, эффекти бор. *Эффектли кўриниш. Эффектли усул.*

ЭХИНОКОКК [*лот.* echinos – типратикан + kokkos – дон, уруғ: шарсимон бактерия] *тиб.* Ит, мушук, бўри ичакларида бўладиган, уруғи уй ҳайвонлари орқали одамга ўтса, мия, ўпка, жигар ва б. ички аъзоларга жойлашиб, ўсиб, ғумбакка айланиб, оғир касаликка, ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўладиган тасмасимон гижжа. *Қизингизнинг ўпкасига эхинококк тушган, аҳволи анча оғир..* Ё. Шукуров, Хирург.

ЭХИНОКОККОЗ Одам ва ҳайвонларда эхинококклар қўзғатадиган гижжа касаллиги.

ЭЧКЕМАР 1 *зоол.* Калтакесакларнинг бўйи 1,5 метргача етадиган, турли жониворлар билан овқатланадиган энг катта тури. *Карасам, лўла болишдек баҳайбат бир махлуқ – эчкемар, ҳансираб ётибди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамоннинг йўли.

2 *қ.ҳ.* Узумнинг бир хили; қизил, ҳусайнига ўхшаш ўртапишар хўраки узум.

ЭЧКИ Қувур шохлилар оиласига мансуб, кавш қайтарувчи жуфт туёқли сутэмизувчи ҳайвон. *Хонаки эчки. Тоғ эчкиси. Эчки сути. Эчки жуни. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр.* Мақол. ▬ *Эчкиларга ҳамма ҳайрон: нега Орифнинг эчкиси бир туққанда, иккита туғар экан-у, колхознинг эчкилари нуқул биттадан туғар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭЧКИЧИ Эчки боқувчи, етиштирувчи чорвадор.

ЭЧКИЧИЛИК 1 Эчки боқиш иши, касби.

2 Чорвачиликнинг эчкиларни боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланувчи тармоғи.

ЭЧКИЭМАР *айн.* **эчкемар**.

ЭШ 1 Ўртоқ, ҳамдам, йўлдош, шерик. *Кўп ўтмай, янги шаҳардаги бошланғич мактабга муаллим бўлиб кирди, билимли рус, қозоқ йигитларидан дўст-эш орттирди.* А. Мухтор, Чинор. *Ҳасратига қулоқ сол, ҳасратига бўлгил эш.* Т. Тўла. *Кўпинча бу ҳазил-ҳузулларда улар бир-бирига эш бўлишарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 *шв.* Жуфт. *Бир эш маҳси.*

3 *шв.* Бола туғилгандан кейин тушадиган қобиқнинг қолдиғи; йўлдош.

4 Эш (эркаклар исми).

ЭШАК 1 Якка туёқлиларга мансуб, қулоқлари узун, сутэмизувчи, отдан кичик иш ҳайвони. *Эшак минганнинг оёғи тинмас.* Мақол. ▬ *Бобоқул ҳам юкларини эшагига ортиб бўлган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қишлоқ деҳқонлари қўқон араваларда, эшак араваларда ўрик, тут, терак саржинлари.. юклаб бормоқда эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Бефаҳм, ҳеч нарсага қизиқмайдиган одам ҳақида. *Ишқи йўқ – эшак, дарди йўқ – кесак.* Мақол.

3 (*талаффузда кўпинча* **эшшак**) Шу ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради.

4 Тўрт ёки кўп оёқли узун скамейка, ўтиргич. *Мулла Обид жавоб ўрнига қўл силтаб, Берди татар ўтирган ёғоч эшакнинг иккинчи бошига келиб ўтиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

5 *шв.* Чаён.

6 *с.т.* Харак. *Дутор эшаги.*

7 *с.т.* Гимнастика машқлари учун белгиланган тўрт оёқли узун, усти чарм билан қопланган мослама; козёл.

Кўп гап эшакка юк Ортиқча гап-сўзнинг фойдасизлиги ҳақида айтиладиган ибора. **Мулла минган эшакдай** Жуда итоатли, ювош. *Қамоқда эзилса, мулла минган эшакдай, бўйнини солиб, бир кунмас-бир кун балки чиқиб келар..* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭШАКВОЙ 1 *фольк.* Халқ эртакларининг эшак образли қаҳрамони, персонажи (одатда бу образда ўжарлик, аҳмоқлик хусусиятлари мужассамланади).

2 *сўк.* Тентак, аҳмоқ (кўпинча болаларга нисбатан айтилади).

ЭШАКЕМ, эшакеми *с.т.* Терига, баъзан шиллиқ қаватларга катта-кичик пуфакчали тошмалар тошиши, қаттиқ қичишиш билан кечадиган касаллик; организмнинг аллергик реакцияси. *Эшонойимларнинг битта-яримтасига эшакеми тошдимикан деган хаёллар билан бориб.. бир кишининг эшагини бир соатга ижарага олиб келтирдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЭШАКМИЯ *бот.* Дуккаклиларга мансуб, уруғи заҳарли кўп йиллик ёввойи ўт. *Қишлоқ жойларда донли экинлар билан бирга ўсадиган айрим ўсимликларда (эшакмия ва*

бошқаларда) заҳарли алкалоидлар мавжуд. «Фан ва турмуш». *У вақтларда бу ерга сув чиқмаганда, эшакмиядан бўлак ўсимлик ҳам ўсмасди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ЭШАККЎРТ *зоол.* Тенгоёқли қисқичбақасимонлар туркумига мансуб, тўқ бинафша рангли, бир неча жуфт оёқли умуртқасиз жонивор.

Димоғидан эшаккўрт ёғилмоқ *қ.* **димоғ 3**. *Маъсуманинг эри димоғидан эшаккўрт ёғиладиган, серзарда бойвачча эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Ҳемирининг тайини йўғ-у, димоғидан эшаккўрт ёғилади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЭШВОЙ Ўзбек халқ ашула ва куйиларидан бирининг номи. *Суҳбатимга кўзи шаҳло, қоши ўқ-ёй истарам, Бошга парқу, тинглamoққа савти эшвой истарам.* «Муштум».

ЭШДОШ Эшлари бир, жуфт.

Эшдош ундошлар *тлш.* Бир жуфтликни ташкил қиладиган ундошлар (мас., **п** ва **б**, **т** ва **д**.)

ЭШЕЛОН [*фр.* echelon < echelle – зина, зинапоя; шкала] **1** *ҳарб.* Махсус юк, техника, артиллерия, танк ва қўшинлар ортилган поезд ёки автоколонна. *Ҳарбий эшелон.* ▬ *Бизлар бир эшелон солдат, бепоён даштга тушиб, саёзгина дарё бўйида чодир тикиб ётардик.* О. Ёқубов, Излайман.

2 *ҳарб.* Кетма-кет саф тортган, биринкетин жангга солинадиган қўшинларнинг навбатдаги гуруҳи. *Биринчи эшелон.* ▬ *Авиаразведканинг маълумотига қараганда, душман биз тарафга иккинчи эшелонини бурган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Бир хил юк ортилган, бир мақсад билан жўнатилган поезд ёки автомобиллар қатори. *Пахта ортган эшелонлар кетма-кет ўтмоқда.* ▬ *Станциядан телефон қилишди. Эшелон келибди. Юкларни эртадан қолдирмай ташиб олмасак, штрафга кирар эмиш.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЭШИК 1 Уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишида ўрнатиладиган, очиб-ёпиб туриладиган қурилиш буюми. *Икки табақали эшик. Ўймакор эшик. Кабинет эшиги. Кўча эшиги. Ҳовли эшиги. Эшикни очмоқ. Эшикни тақиллатмоқ. Меҳмон келар эшикдан, Ризқи келар тешикдан.* Мақол. ▬ *Дилдор шарт ўрнидан турди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Умуман, одам, жонивор, нарсалар жойлашадиган қурилма, мосламаларнинг кириб-чиқиладиган, очилиб-ёпиладиган қисми. *Машинанинг эшиги. Самолётнинг эшиги. Қафаснинг эшиги.* ▬ *Автобуснинг эшиги овозсиз очилди: -Марҳамат, чиқинглар.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Бу ўртада соат эшиги очилиб, какку қуш чиқди-да: «Какку! Какку!», деб яна кириб кетди.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 *шв.* Ҳовли, уй-жой; хонадон. [*Мирзакаримбой:*] *Эшигимда жуда кўп одамлар ишлаган.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Эшигини топа олдингизми? -Топдим. Айтганингиздек, унинг эшигини Тошкентда ҳар ким билар экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Эшик супурмоқ 1) ҳовли супурмоқ; 2) хизматкор бўлиб ишламоқ, хизматкорлик ишларини бажармоқ. *Эшигимни супурсин бу қўмондон, Бўлсин барча қилганига пушаймон.* Ҳ. Олимжон. [*Жамила*:] *Мен сизни ўлаўлгунча дуо қилай, лойиқ кўрсангиз, чўрингиз бўлиб, эшигингизни супурай.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Ташқари, ташқи майдон, кўча. *Эшик совуқ.*

Эшикка чиқмоқ 1) уйдан, хонадан ташқарига, ҳовлига чиқмоқ. *Кўрпача ёзиб, уни ўтқизгач, «мен ҳозир», деб эшикка чиқиб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Назарбой эшикка чиқиб қараса, бу чодирдан бошқа чодирлар кўп, одамлар сон-саноқсиз..* «Ойсулув»; 2) ҳожатга чиқмоқ, ёзилгани чиқмоқ, ёзилмоқ.

5 *кўчма* Бир мақсадга, ерга етишиш, эришиш йўли, имконият йўли. *Бахт эшиги кўриниб турибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Барча орзулар эшиги деярли ёпиқ эди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг туғилиши.

Эшик оға (*ёки* **оғаси)** Ўрта Осиё хонликларида хон саройидаги бош хизматкор; олий ҳукмдорнинг турли қабул маросимларини ўтказиш ишларига мутасадди бўлган шахс. *Эшик оға кириб, аркони давлатнинг ҳозир бўлганини билдиргач, Ҳусайн Бойқаро киришга ижозат берди.* Ойбек, Навоий.

Эшик қоқмоқ 1) эшикни тақиллатмоқ; 2) бирор вақт, фурсатнинг яқинлашиб, келиб турганини билдирувчи ибора. *Баҳор эшик қоқяпти.* ▬ *Айниқса, эшик қоқиб ёз келди-ю, хаёл тўрт ёққа сочилиб, вақт етишмай қолди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЭШИЛМОҚ 1 Эшмоқ I **1** фл. ўзл ва мажҳ. н. *От белига торта берди сайислар Ипакдан эшилган майин айилди.* «Ойсулув».

2 *кўчма* Кокил каби таралмоқ, ипакдай майин осилиб сочилмоқ. *Қора зулфинг эшилгандир тол-тол..* «Муродхон». *Каҳрабодек сап-сариқ сабзи унинг пичоғи остида ипак сингари эшилиб, таралиб чиқар эди.* А. Мухтор, Чинор.

3 *кўчма* Мулойим ҳаракат, ҳолат касб этмоқ (шахс ҳақида). *-Тўхтанг! — деди жувон ноз билан эшиларкан.* Н. Аминов, Ёлғончи фариштлар. *Бунақа пайтда оғзимиздан бол томиб, ўзимиз ҳам эшилиб кетамиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ЭШИТИШ 1 Эшитмоқ фл. ҳар. н. *Ҳикояни эшитиш асноси имомда бир ғижиниш вазияти бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Одам ва ҳайвонларнинг эшитув аъзоси ва эшитув анализатори орқали товуш тўлқинларини қабул қилиш хусусияти.

ЭШИТМОҚ 1 Товушни эшитиш аъзоси орқали қабул қилмоқ; қулоғига кирмоқ, чалинмоқ. *Кимнингдир инграганини эшитди. Отнинг кишнаганини эшитди.* ▬ *Саодатхоннинг оёқ шарпасини эшитиб, секин кўзларини юмди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Отасининг хуррагини эшитиб, кўнгли равшан тортди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Диққат-эътибор билан, маъно, мазмунини ҳам англаш, ўзлаштириш мақсадида қулоқ бермоқ; тингламоқ. *У Меъморнинг гапларини эътироз билдирмай эшитар, бош қимирлатиб тасдиқларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўз умримда кўп одамларни кўрганман, кўпларнинг саргузаштларини эшитганман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ, эшитиб билмоқ. *Достон битибди, деб эшитдик, оға. Қачон ўқийсиз?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Чанғи сайлини ҳам ўзинг ўйлаб топдинг. Билардинг, опанг эшитиб қолса, адабингни беришини.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Гап эшитмоқ Сўкиш, қарғиш ва ш.к. мазмундаги танбеҳ олмоқ. *Қилар ишни қилган Писмиқ-ку, мана энди мен гап эшитяпман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЭШИТТИРИШ 1 Эшиттирмоқ фл. ҳар. н.

2 Радио ёки телевидение орқали товушни узатиш, юбориш; радио ёки телевидение орқали узатиладиган концерт, маъруза ва ш.к. *Болалар учун эшиттириш. Эшиттиришлар дастури. Бугунги эшиттиришимиз тамом бўлди.*

ЭШИТУВЧИ 1 Эшитмоқ фл. сфдш.

2 *айн.* **тингловчи**. *Радио эшитувчилар.* ▬ *..ўйлаб қараса, ҳақиқатан ҳам яхши агитатор бўлиш учун аввало тингловчилардан кўпроқ нарса билиши, кўпроқ тажрибага эга бўлиши керак экан.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЭШКАК Қайиқни (баъзан кемани ҳам) ҳаракатга келтириш ва бошқариш учун хизмат қиладиган узун дастали ёғоч курак. *..туну кун бақириқ-чақириқ, узун эшкакларнинг бетиним шалоплагани, кемачиларнинг сўкингани эшитилиб турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Эшкак эшмоқ (*ёки* **тормоқ**) Эшкакни сувга уриб, қайиқни ҳаракатга келтирмоқ. *Ишчи ёшларимиз байдарка ва каноэда эшкак эшиш.. билан шуғулланишни ёқтирадилар.* Газетадан. *У тезроқ соҳилга чиқиб олиш учун жон-жаҳди билан эшкак тортишга тушди.* «Ёшлик».

ЭШКАКЛИ Эшкаги, эшкаклари бўлган. *Саккиз эшкакли қайиқ.*

ЭШКАКЧИ 1 Одам ва юкларни дарёдан ўтказишни ўзига касб қилиб олган киши; қайиқчи. *Қайиқ соҳилга чиққач, эшкакчи қайиқни толнинг поясига боғлайди.* А. Эшонов, Ҳикоялар.

2 Эшкак урувчи, эшкак тортиб, қайиқни ҳайдайдиган киши; қайиқ ҳайдовчиси. *Бизнинг қайиқда моҳир эшкакчи бўлмаган одам ортиқча юк.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЭШКИЛ-КИШАН Занжир, кишан. *Бир гуноҳкорни ёки гуноҳкор саналган бир кишини тутиб келтирадилар, уни қамаб, оёғига эшкил-кишан ёки кунда урадилар.* С. Айний, Жаллодлар.

ЭШЛИК 1 Эшга хос ҳолат, эш эканлик.

2 Эшларга хос муомала, муносабат; дўстлик, ўртоқлик муносабатлари. *Эшлик қилмоқ.* ▬ *Қулунтой ҳам унга қилиб эски эшлик, Ўргатибдир Кўканчага жувозкашлик.* Ғ. Ғулом.

ЭШМА Эшиб ясалган, чийратма, пишиқ. *Эшма ип.*

ЭШМОҚ I **1** Айлантириб, бураб, товлаб пишиқ қилмоқ; пишитмоқ, чийрамоқ; йигирмоқ. *Қамиш эшмоқ. Белбоғни эшиб боғламоқ. Арқон эшмоқ.* ▬ *Мен ҳам тек тур-*

масдим: пахтани чиғириқдан чиқарар, калава ўрар, пахта савар, ҳатто пилта ҳам эшиб берардим. Ё. Шукуров, Қасос. *Ҳаётхон бечора ип эшиб, марваридларни теришга ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Ўрнига қўймоқ, ўринлатмоқ, қойил қилмоқ, қиймоқ. *Гапни эшади-да.* ▬ *Гоҳо Юсуф амаким қўлига дуторини олардида, шундай эшиб чалардики, юрагимизни сув қилиб юборарди.* У. Икромов, Унутилмас хотиралар.

Ип эшолмайди *қ.* **ип**.

ЭШМОҚ II *айн.* **эшкак эшмоқ** *қ.* **эшкак**. *Лаби чўччайган кичкинагина санитар қиз эшкак эшарди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ЭШОН [*ф.* ایشان – 3-ш. кўпликдаги шахс олмоши: улар; мулла, шайх] Диндорлар орасида маълум обрў қозонган руҳоний, дин пешвоси. *Бу эшон биров билан сўзлашганда, ўзини худди кимга қайси жаннатдан ўрин бериш тўғрисида худо билан сўзлашиб келгандай тутарди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

ЭШОНЗОДА [*ф.* ایشانزاده – эшоннинг боласи] Отаси эшон бўлиб ўтган, эшонлардан тарқаган шахс, эшон боласи, авлоди. *-Ўзимиз тошкентлик бўламиз, эшонзодалардanмиз, мадраса кўрган муллойи забардастлардан бўламиз, – деди домла.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЭШОНОЙИМ (*тўғриси* **эшон ойим**) *қ.* **ойим 2.**

ЭШОНПАРАСТ [*ф.* ایشانپرست – эшонни ҳурматловчи] Эшонларга қўл берган, уларга сиғинувчи, ўтакетган диндор киши.

ЭЪЗОЗ [*а.* اعزاز – иззат, ҳурмат; меҳр, илтифот] ҳурмат-эътибор ҳис-сезгиси ва унинг ифодаси; эҳтиром. *Отага қўйилган ҳайкал, районнинг унинг номидалиги – бу эъзозлар Отага халқнинг меҳр-оқибатини билдиради.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Эъзоз қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) *айн.* **эъзозламоқ**. *Ҳурлик деб тўкилган бу қон рангини Юрак-юрагимдан қилгумдир эъзоз.* Ж. Жабборов. *Ҳар лаҳза фирибгарлик бобида бўлиб шоввоз, Ростгўйликни тарк айлаб, ёлғонни этдим эъзоз.* «Муштум».

2 Эъзоз (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЭЪЗОЗЛАМОҚ Меҳр-эътибор билан муносабатда бўлмоқ, эъзоз этмоқ. *Дарҳақиқат, инсон тафаккур эта бошлаган даврлардан бери.. энг азиз зотни – онани эъзозлайди.* «Фан ва турмуш». *Ерга алоҳида меҳр-муҳаббат қўйиб, уни эъзозлашни расм қилиб олган халқ Фарғонани харобачиликдан сақлаб қолди.* Газетадан.

ЭЪЗОЗЛИ Эъзозлашга лойиқ, эъзозга сазовор; ҳурматли. *Эъзозли меҳнат. Эъзозли меҳмон. Эъзозли муҳаббат.*

ЭЪЛОН [*а.* اعلان – кўпчиликка маълум қилиш, билдириш; хабарнома] Кўпчиликка етказилиши зарур бўлган хабар, янгилик, буйруқ, фармон; шундай хабар ёзилган қоғоз, ҳужжат, билдириш. *Газетадаги эълон. Эълон ёзмоқ. Эълон тахтаси.* ▬ *Турли хил эълонлар ёпиштириб ташланган доска рўпарасидаги қоровулхонага югуриб бордим.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

Эълон қилмоқ 1) ҳаммага маълум қилмоқ, билдирмоқ. *Мажлис ҳақида эълон қилмоқ*; 2) тантанали суратда билдирмоқ. *..кечга яқин тўполон босилгач, Ҳорун бўзчини Маймана ҳокими деб эълон қилишди.* Мирмуҳсин, Меъмор; 3) бермоқ, билдирмоқ. *Ҳайфсан эълон қилмоқ.* ▬ *Армия кунида командир Элмуродга ташаккур ҳам эълон қилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар; 4) босилмоқ, берилмоқ (матбуотда). *Турсуной ҳақидаги очерким.. газетада эълон қилинди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЭЪЛОННОМА [эълон + нома] Ёзма эълон, билдириш; мурожаатнома. *Ўрмонжон.. бу эълонномани ўқиб, аввал хит бўлди, кейин кулгиси қистади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЭЪТИБОР [*а.* اعتبار – ҳурмат, иззат-икром; ҳисобга, назарга олиш; обрў, нуфуз] **1** Бирор кимса ёки нарсага қаратилган диққат-назар, фикр, ёд. *Эътиборини жалб қилмоқ. Эътибор билан разм солмоқ.* ▬ *Отабек диққат ва эътибор билан қутидорни кузатиб, жавоб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир уй меҳмоннинг эътибори жажжигина Азизжонда.* Газетадан.

Эътибор бермоқ Диққат-эътиборни қаратмоқ, эътиборини йўналтирмоқ. *Бойваччанинг орқасида от қўйиб келаётган одамга эътибор беринг.* К. Яшин, Ҳамза. **Эътибор қилмоқ** *айн.* **эътибор бермоқ**. *Мастон унга эътибор қилмай, отнинг очиқ қолган кўзларига қаради.* А. Қаҳҳор, Мастон. **Эътиборга олмоқ** Ҳисобга олмоқ, назарда тутмоқ. *Сен айтган икки нарса илмга маълум эканлигини эътиборга олсак, сен ўтказадиган тажрибанинг*

асосий вазифаси мана шу саволга жавоб бериш. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ўзга томонидан бўлган ҳурмат ҳисси; қозонилган ҳурмат; обрў, нуфуз. *Эътибори кетди. Эътибори йўқолди.* ▬ *Низомиддиннинг кўз олдида бу нотаниш одамнинг эътибори янада ошди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Гарчанд баъзи жойда топдим эътибор, Кўксимда нелардир таратур зиё.* А. Орипов.

Эътибор қозонмоқ (*ёки* **топмоқ**) Обрў-ҳурматга эга бўлмоқ, яхши ном чиқармоқ. *[Ҳожи] Нормуҳаммад қушбеги олдида ундан ҳам юқорироқ ва маънолироқ эътибор қозонди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тошкент чаманзор – Бутун халқ олдида топди эътибор.* Х. Расул. **Эътиборга тушмоқ** Кишилар эътиборини тортиб, ўзига жалб қилмоқ. *Кейинчалик устод Қавом эътиборига тушиб, унинг тавсияси билан Мирзодан иш олган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Эътибордан қолмоқ** Кўпчиликнинг диққат-эътиборини йўқотмоқ. *Агар юлғичликни ташламасангиз, халқ эътиборидан қолиб, шарманда бўласиз.* «Муштум». **Эътибори билан** Жиҳат(и)дан, кўра. *Бадиий таржима моҳият эътибори билан халқлар ўртасида олтин кўприкдир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

3 Эътибор (хотин-қизлар исми).

ЭЪТИБОРАН [*а.* اعتباراً – ҳурмат ёки ишонч юзасидан; =дан бошлаб, ҳисоблаб] *кўм.* (*ч.к. билан*) Пайт ёки макон (жой) билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, пайт, макон муносабатини ифодалайди. *Ёнғоқдан эътиборан сойга тушгунча кўндаланг эгатли алоҳида тахта бошланади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ота-она фарзандини туғилган кунидан эътиборан парваришлаб, ювиб-тараб.. катта қилади.* Газетадан.

ЭЪТИБОРЛИ 1 Эътибори, обрўси, нуфузи бўлган, сўзи ўтадиган; нуфузли, ишончли, мўътабар. *Қишлоқнинг эътиборли кишилари.* ▬ *Ашула тугагач, эътиборли бир одам келин билан куёвни қутлаб, бахт ва тотувлик, ували-жували бўлишни тилади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Эътиборга лойиқ; арзирли. *Шайх Ҳамзага бир ўқрайиб қаради-ю, лекин эътиборли гап айтишга ўзида куч тополмади.* К. Яшин, Ҳамза.

ЭЪТИБОРСИЗ 1 Назар-писанд қилмайдиган, бепарво; менсимайдиган. *Мен бу диссертация деб худбин бўлиб кетдим, сенга эътиборсиз бўла бошладим.* А. Мухтор, Чинор. *Анвар ўлтирар экан, эътиборсиз қўл силтади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Назар-эътибордан қолган, обрўсини йўқотган, нуфузи йўқ, обрўсиз. *Эл олдида эътиборсиз бўлиб қолмоқ.*

ЭЪТИБОРСИЗЛИК Эътиборсиз муносабат, эътиборсиз бўлиш, эътиборсиз ҳолат; бепарволик. *Қораилон ўз орқасида ўғил болача кийиниб, тик турган Бадиани пайқамади. Бу Қораилоннинг биринчи эътиборсизлиги эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЭЪТИДОЛ [*а.* اعتدال – хушқоматлик, адиллик; мўътадиллик, ўрта даража; бир текисдалик, мутаносиблик] *эск. кт.* Бир текисдаги, мўътадил ҳолат, мувозанат. *Анварнинг кўнглидаги қоронғилик ҳам кучайди, юрак уриши эътидолдан чиқиб, ўғри кишидек атрофга қарана бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЭЪТИМОД [*а.* اعتماد – таянч, суяниш; ишониш, ишонч] **1** Самимий, тўғри, одил деб ҳисоблаб, қаттиқ ишониш, шунга асосланган ишонч. *Агар ҳақиқатни айтилса, хон ўзидан бошқа ҳеч кимга эътимод қилмайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Кўз тутилган, ишонилган кимсадан кутилган, унга боғланган умид, ишонч. *Биз келажакка ишонган улуғ халқмиз. Шунинг учун ҳам ёшларга эътимодимиз катта.* ▬ *Эндиликда чол-кампир топган-тутганини Топилга атаган, бутун эътимодини шу кенжа ўғилга қўйган.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЭЪТИМОДЛИ Эътимод қилса, ишонса бўладиган; ишончли. *Ҳусайн Бойқаро.. эътимодли саркардалар билан қуршалган ҳолда борар эди.* Ойбек, Навоий.

ЭЪТИМОДНОМА [эътимод + нома] *эск.* Ишонч ёрлиғи, ваколатнома, ваколат ҳақидаги расмий ҳужжат. *Элчи эътимодномасини топширди.*

ЭЪТИРОЗ [*а.* اعتراض – йўлни тўсиб қўйиш; қарши ҳаракат; қаршилик, келишмаслик] Бирор нарса, таклиф, иш-ҳаракат ва ш.к. га қарши фикр; қаршилик, норозилик. *Қатъий эътироз. Бу таклифга эътироз борми? Эътироз билдирмоқ. Эътироз қилмоқ.* ▬ *Муҳаммад Расул хўжайиннинг кайфи ўзгаргани учун ўйлаган эътирозини айтишга ботинмай турди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бемаслаҳат ҳеч кимнинг фикрига эътироз билдирмайди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЭЪТИРОЗЛАНМОҚ *кам қўлл.* Эътироз билдирмоқ. *-Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ, — деди Ҳомид эътирозланиб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЭЪТИРОЗСИЗ Эътироз билдирмай ёки билдирилмай; сўзсиз. *Эътирозсиз «хўп» деди. Кун тартиби эътирозсиз қабул қилинди.*

ЭЪТИРОФ [*а.* اعتراف — таниш, тан олиш; иқрор бўлиш, бўйнига олиш; тавба] Бирор гап, фикр, иш-ҳаракат ва ш.к. ни тўғри, ҳақиқат деб билиш, қабул қилиш. *Ҳақиқатни эътироф қилмоқ.* ▬ *У бу эътирофни кўзлари билан, термилиб боқишлари билан жуда аниқ билдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Эътироф этмоқ (*ёки* **қилмоқ**) Тан олиб тасдиқламоқ. *«Кошинга шошадиган еримиз йўқ», деб корфармо жаноблари хато қилганлар, буни эътироф этамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..Миродилнинг тадбирли ва оқил бир шахс эканлигини эътироф қилиб, унинг бутун талаб ва тадбирларини тўғри топдилар.* У. Исмоилов, Сайланма.

ЭЪТИҚОД [*а.* اعتقاد — ишонч, ишониш; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак] **1** Қаттиқ ишонч, дилдан эътироф этилувчи тушунча, нуқтаи назар, қараш. *Эътиқодга кўра, чинор мингга кирган соати ўзидан-ўзи ёниб кетиши керак экан.* А. Мухтор, Чинор. *Ҳар қандай одамнинг ҳам ўзига хос хулқ-атвори, эътиқоди, дунёқараши бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Бирор кимсага ёки нарсага бўлган ишонч; ишонч ва ихлос билан қараш. *Жўрабой отанинг командир йигитга эътиқоди ўн чандон ошди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Омон отада билимга, илғор усулларга эътиқод жуда баланд.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

3 Худога ёки умуман бирор ғайритабиий кучга ишониш; имон. *У ўз эътиқоди билан диний одам бўлиб, намозни ҳам канда қилмайди, рўзани ҳам.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Эътиқод қўймоқ Эътиқод билан муносабатда бўлмоқ, боғланмоқ. *Ерни севган, унга эътиқод қўйган деҳқон мўл ҳосил учун курашни эрта куздан бошлайди.* Газетадан. *Сиз у билан синашта эмассиз-ку, эътиқод қўйишингизни қаранг.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ЭЪТИҚОДЛИ Ўз эътиқодига эга, эътиқодида мустаҳкам. *Эътиқодли кишилар.*

ЭЪТИҚОДСИЗ Эътиқоди йўқ, эътиқод қўймайдиган.

ЭЪТИҚОДСИЗЛИК Эътиқоди йўқлик, эътиқод қўймаслик. *Эътиқод Али Қушчини инсон ва олим сифатида улуғласа, эътиқодсизлик мавлоно Муҳиддинни тубанлик жарига ирғитади.* «ЎТА».

ЭҲ *унд.с.* **1** Завқ-шавқни, қувончни, шодликни билдиради. *-Эҳ! — деб юборди Сангин ўз ўйидан ўзи завқланиб.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ям-яшил ўтов ичра ясаб бир ҳужра, Қўйсанг агар патефон. Эҳ.. роҳатижон.* Х. Салоҳ.

2 Афсусланиш, ачиниш, ўкинч ёки пушаймонни билдиради. *Эҳ, бу дунёнинг иши-я! На хотин! На кулба!* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Эҳ, аттанг, орзулар учди ҳавога.* Я. Қурбон, Меҳрим ва қаҳрим.

ЭҲА *унд.с.* Ажабланиш, таажжуб ёки қувонч, шодликни билдиради. *Эҳа, олиб келдингизми, ниҳоят!* ▬ *Эҳа, сиз ҳали хотинларнинг гапини кўтариб келдингизми бу ерга. Қиҳ-қиҳ, э омон бўлинг-э!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЭҲЕ *айн.* **эҳа.**

ЭҲЗОН [*а.* احزان — хафалик, маъюслик; қайғуриш, ғамга ботиш]: **кулбаи эҳзон** *поэт.* Ғамхона, ғам-ҳасрат уйи, қайғу ҳукм сурган кулба. *Бир боқмаганин ҳоли паришонима сўзлаб, Бир келмаганин кулбаи эҳзонима айтинг.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЭҲРОМ I [*а.* احرام — мусулмонларнинг ҳаж даврида муқаддас ҳудудга кириши ва эҳром кийиши] **1** Маккага ҳаж сафарига отланган кишиларнинг маълум вақт давомида баъзи нарсалардан фойдаланишдан (мас., атир сепиш, соқол-мўйлов, тирноқ олиш ва б. дан) ўзини тийиши.

2 Ҳажга борувчиларнинг махсус кийими: нина тегизилмаган икки парча қалинроқ газлама (мас., бўз)дан иборат бўлиб, бири бўйин ва чап елкага, иккинчиси белдан пастга ўралади.

ЭҲРОМ II [*а.* اهرام — «пирамида» (هرم) с. нинг кўпл.] **1** *айн.* **пирамида 1, 2.**

Миср эҳромлари Қадимги Миср фиръавнларининг пирамида шаклида қурилган катта тош сағаналари. *Мисрнинг кўкўпар эҳромларини Қай куч қилди кекса Памирга йўлдош.* Зулфия.

2 Пирамида шаклидаги бино, иншоот, масжид, мақбара. *Замонлар ғубори чўкиб,*

бутун заъфарон тошлари қорая бошлаган Чашмаи Аюб эҳроми соясида эски шаҳар бозори жойлашган эди. О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

ЭҲСОН [*а.* احسان – яхшилик, самимийлик, мурувват; бирор нарсани ҳадя қилиш; хайр-садақа] **1** Хайрли, савобли иш, кори хайр; эзгулик. *Бахил эҳсондан қочар, хасис – меҳмондан (қочар).* Мақол. ▬ *Ёғи йўқ, қаймоғи йўқ чойи қурсин, Хайри йўқ, эҳсони йўқ бойи қурсин.* «Фольклор».

2 *дин.* Худо йўлига бериладиган зиёфат, хайр-садақа, хайр-саховат, хайр-эҳсон, худойи. *Кошки ул хайри эҳсон бергувчи зотлар берадиган бир парча читларини миннатсиз, озорсиз берсалар.* К. Яшин, Ҳамза. *Юзини соқол босиб кетган қаландар эҳсонни тезда кашкулга жойлаб.. узоқ дуо қилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Умуман, ҳадя, инъом. *Эҳсон бермоқ.* ▬ [*Машшоқ*] *Отабекдан катта-катта эҳсонлар кўргани учун, вақтнинг кечлигига ҳам эътибор қилмай, кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёзнинг эҳсони, олинглар, азиз меҳмонлар!* Ойбек, Улуғ йўл.

4 Эҳсон (эркаклар исми).

ЭҲСОНЛИ 1 Хайрли, савобли ишларга доим тайёр, шундай ишларни кўп қилиб турадиган.

2 *дин.* Кўп хайр-эҳсон, худойи қилиб турувчи; художўй.

3 Саховатли, қўли очиқ.

ЭҲТИДО [*а.* اهتداء – тўғри йўлни қидириб топиб олиш ва шу бўйича йўналиш, бориш] Тўғри йўл билан бориш; оғмаслик.

ЭҲТИЁЖ [*а.* احتياج – муҳтожлик; зарурият, талаб, ҳожат] Бирор нарсага бўлган талаб; ҳожат, зарурат, зарурият, муҳтожлик. *Эҳтиёж сезмоқ. Маданий-маиший эҳтиёжларни қондирмоқ. Ортиқча изоҳга эҳтиёж йўқ. Унинг пулга эҳтиёжи йўқ.* ▬ *Бора-бора чўл саҳрога айланди, одамлар ва отларнинг сувга эҳтиёжи оша борди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Кўзларим айлар ҳамиша Арзи муҳтожлик сенга, Айт-чи, жоним, борми сенда Кўз ёшимга эҳтиёж?* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЭҲТИЁТ [*а.* احتياط – сақланиш, эҳтиёткорлик; захира] Номақбул нарса, таъсир ва ш.к. дан сақлаш (сақланиш), унга йўл қўймасликка қаратилган чора, тадбир; хатти-ҳаракат. *Ҳовлисида ёки эшигига яқин очиқроқ ерда эҳтиёт юзасидан оғзи тор, ичи кенг бошпана ковланган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Эҳтиёт бўлмоқ 1) эҳтиёт чораларини кўриб иш тутмоқ, эҳтиёт ҳолатни сақламоқ. *Ирода билан эҳтиёт бўлиб сўзлашиш.. кераклигини тушунарди Аҳмад.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат; 2) огоҳлик, зийраклик билан, авайлаб сақламоқ. *Укаларингга эҳтиёт бўл, доим кўз-қулоқ бўлиб тур.* **Эҳтиёт тутмоқ** *айн.* **эҳтиёт қилмоқ, эҳтиётламоқ**. *..ўзингни эҳтиёт тут.* **Эҳтиёт қилмоқ** 1) эҳтиёт чораларини кўриб сақламоқ, эҳтиётламоқ. *Қиз – биллур қадаҳ, эҳтиёт қилмасанг, қўлингдан тушиб кетади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар; 2) тежамоқ, тежаб-тергаб, аяб, режаси билан сарф қилмоқ. *Ўқни эҳтиёт қил! Мўлжални аниқ ол!* Ҳ. Ғулом, Машъал; 3) авайлаб сақламоқ, бекитиб қўймоқ. *Ҳужжатларни эҳтиёт қилмоқ.* ▬ *Йигитлар тилло тангаларни кафтларига қўйиб томоша қилишди. Ундан кейин эҳтиёт қилиб, ёнларига солиб қўйишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Эҳтиёти шарт** Ҳар эҳтимолга қарши; эҳтиётдан. *Сайфий, эҳтиёти шарт дегандай, қўйнига беш-олти ғазал қистириб келган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЭҲТИЁТДАН Эҳтиёт юзасидан, ҳар эҳтимолга қарши. *Абдиларнинг бу томондан эшиги бўлмаса ҳам, Омил эҳтиётдан кузатиб турди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Пайти келганда Йўлчи бойларга.. қарши сўзлаб, мардикор бермасликка ундаб, эҳтиётдан яна қичқириб қўяди: -Сара нон!* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭҲТИЁТКОР [*а.* + *ф.* احتياطكار – эҳтиётли, эҳтиёткорлик билан иш қиладиган] **1** Олдиндан эҳтиёт чоралари кўриб, эҳтиёт бўлиб, олди-кетини ўйлаб иш қиладиган, эҳтиёткорона иш тутадиган. *Эҳтиёткор одам.* ▬ *Ҳа, Рустамбек ҳар ишда эҳтиёткор.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Тежаб-тергаб, аяб, режаси билан сарф қиладиган, исрофгарчиликка йўл қўймайдиган; тежамкор, режали. *Эҳтиёткор бичиқчилар.*

ЭҲТИЁТКОРЛИК Эҳтиётлик билан, эҳтиёт чораларини кўриб иш тутиш; мулоҳазакорлик. *Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам эди.. айёр, муғамбир.. у юраксиз эмас, балки ҳар ишда эҳтиёткорликни маъқул кўрар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЭҲТИЁТКОРОНА [*а.* + *ф.* احتیاطکارانه – охирини ўйлаб, мулоҳазакорлик билан, эҳтиёт қилган ҳолда] Эҳтиёткорлик билан, эҳтиётлик билан, эҳтиёт бўлиб ёки эҳтиёт қилиб. *Эҳтиёткорона иш тутмоқ. Эҳтиёткорона муомала қилмоқ.*

ЭҲТИЁТЛАМОҚ Эҳтиёт ҳолда тутмоқ, эҳтиёт қилмоқ. *Ҳужжатларни эҳтиётлаб қўй. Ярани эҳтиётлаб боғламоқ.* ▬ *Каникулда ишлаб топган пулига олган бир сидирға уст-бошини беш йил эҳтиётлаб кийди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *У балиқларни эҳтиётлаб, хашак устига қўйди-да.. яна нари кетди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ЭҲТИЁТЛИК *айн.* **эҳтиёткорлик.** *Саидий ҳаддан ошиб кетди. Ундан эҳтиётлик талаб қилган Ёқубжон билан уришиб, уни «сотқин» деди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЭҲТИЁТСИЗ 1 Эҳтиёт бўлмай ёки эҳтиёт қилмай иш тутувчи; тадбирсиз. *Эҳтиётсиз бола.* ▬ *Элмурод кечаси эшикка эҳтиётсиз чиқди-ю, шамоллаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кам қўлл.* Эҳтиёт қилмай, пала-партиш сарф қилувчи; режасиз, исрофгар.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК Эҳтиётсиз ҳолда иш тутиш; бепарволик, мулоҳазасизлик. *Бахтсиз ҳодисалар, кўнгилсиз воқеалар кўпинча эҳтиётсизлик оқибатида юз беради.* Газетадан.

ЭҲТИЁТЧАН *кам қўлл. айн.* **эҳтиёткор 1.**

ЭҲТИМОЛ [*а.* احتمال – бардош бериш; чидамлилик; эҳтимоллик, мумкинлик] **1** Рўёбга чиқиш, амалга ошиш, юз бериш имконияти; мумкинлик. *Қани энди, ҳаётдаги саноқсиз эҳтимолларнинг барчасига жавоб топиш мумкин бўлса.* С. Кароматов, Олтин қум. *Уни энг қаттиқ қўрқитган нарса – бу суратнинг босқинчилар қўлига тушиб қолиши эҳтимоли эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *мод. с.* Балки, =са керак, бўлиши мумкин. *Унинг келиши эҳтимол.* ▬ *Шербек ўшанда ҳол сўраб, эҳтимол, хато қилгандир.* С. Анорбоев, Оқсой. *Эҳтимол, хон табибни истаган пайтда топиш осон бўлсин, деб шундай қилгандир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Ҳар эҳтимолга қарши Эҳтимол юзасидан. *Бели синган сарбоз.. ҳар эҳтимолга қарши, ерда ётган ўткир қилични олди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЭҲТИМОЛКИ *мод. с. айн.* **эҳтимол 2.**

ЭҲТИРОМ [*а.* احترام – ҳурматлаш; иззат-ҳурмат] Юксак ҳурмат, иззат-икром. *Эҳтиром қилмоқ. Эҳтиром билан салом бермоқ. Зўр эҳтиром билан тилга олмоқ.* ▬ *Улуғ шоир ҳайкали пойига меҳр-муҳаббат ва чуқур эҳтиром рамзи сифатида гуллар қўйилмоқда.* Газетадан.

ЭҲТИРОС [*а.* احتراص – кучли истак, интилиш; зўр талаб] Зўр ҳис-туйғу, завқ, шавқ; жўшқинлик. *Эҳтирос билан гапирмоқ.* ▬ *Эҳтирос туғён урганда, ақл чироғи хиралашади.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Севишганларнинг қалблари ширин-ширин толпингани-толпинган. Кўзларидаги мастона эҳтирос тумани оша бир-бирларини кўрадилар, холос.* А. Мухтор, Чинор. *Алимардон кўпдан буён шу қадар эҳтирос билан куйламаган эди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

ЭҲТИРОСЛИ 1 Эҳтиросга тўлган, оташин. *Эҳтиросли публицист.*

2 Эҳтиросни ифодалайдиган, эҳтирос акс этувчи; жўшқин. *Эҳтиросли сўзлар.* ▬ *Унинг чўзинчоқ оқиш юзи ҳам эҳтиросли кўзлари.. сингари ички кечинмаларини узлуксиз акс эттиради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЭҲТИРОССИЗ Эҳтироси йўқ, эҳтиросдан холи, ҳиссиз. *Муаллиф шеър техникаси қоидаларини бузиш билан бирга, эҳтироссиз, мавҳум фикрларга ўралашиб қолган.* Газетадан.



-ю (*унлилардан кейин*) **1** *юкл.* Таъкид, кучайтирув билдиради. *Шу ҳам иш бўлди-ю! Ўзи кап-катта бола-ю, қилаётган ишини қара!* ■ *[Мозорни бузишаётганда] Мачитнинг катта домлаларию райисполкомлару [райижроком раиси].. ўша ерда бўлишди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Буни қамаган мингбоши-ю, бу ҳезалак махсум мендам домангир.* Н. Сафаров, Уйғониш.

2 *бркт. боғл.* Уюшиқ бўлаклар ва гапларни бир-бирига боғлаш, бириктириш учун хизмат қилади. *Кечаю кундуз ишладик.* ■ [*Ғуломжон*] *Мадрасада айтган гапларим учун қасос олаяпти, деб ўйлади-ю, мингбошига бориб арз қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дадаси уни четлаб ўтди-ю, уч қадамча нарига бориб, қўлидаги зонтигини очди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унинг хаёлига янги фикр келди-ю, ҳозирча институтга боришдан воз кечди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 *зидл. боғл.* Зид маъноли эргаш гапларни боғлаш учун хизмат қилади. *Ўқийди-ю, мазмунига тушунмайди. Ишни бошлади-ю, битирмади.* ■ *Эшитади-ю, нима тўғрисида сўз бораётганини фаҳмламайди.* А. Умар, Мухтор. *Буни Убайдулла ака тўйдан кейин билди. Билди-ю, хуноб бўлмади.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЮАНЬ [*хит.*] Хитой Халқ Республикасининг асосий пул бирлиги.

ЮБИЛЕЙ [*лат.* jubilaeus < *қад. яҳ.* jobel – қўй шохи] Бирор шахснинг туғилган куни ёки бирор ташкилот, муассаса ва ш.к. нинг муайян йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросим. *Шоирнинг 80 йиллик юбилейи. Университетнинг 50 йиллик юбилейи. Юбилей йили.* ■ *Шу кунларда шаҳримизнинг улкан тўйи – шонли юбилейини муносиб нишонлашга катта тараддуд кўриляпти.* Газетадан. *Юбилей комиссиясининг раиси – бош инженер Умрзоқ минбарга чиқди.* С. Аҳмад, Поччажон.

ЮБИЛЯР Юбилейи нишонланаётган шахс, ташкилот, муассаса ва ш.к. *Нотиқ ўз сўзининг асосий қисмини юбилярнинг илмий-ижодий фаолиятини чуқур таҳлил қилишга бағишлади.* «ЎТА». *Қуёш ўзининг сахий нурларини аямасдан юбиляр республикамизга сочмоқда.* Газетадан.

ЮБКА [*р.* юбка < *пол.* jupa – аёллар кўйлаги < *а.* جبّه – ип газламадан қилинган кенг енгли кийим] Хотин-қизларнинг белдан пастки уст кийими, шунингдек, аёллар европача кўйлагининг белдан пастки қисми. *Шерсть юбка. Калта юбка.* ■ *У* [*Фотима*] *енгларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Юбка ва белгача тушадиган свитердан иборат комплект кенг тарқалди.* Газетадан.

ЮБОРМОҚ 1 Нарса ёки кимсани бирор томонга ёки жойга йўлламоқ, жўнатмоқ. *Хат юбормоқ. Совға юбормоқ. Пул юбормоқ. Вакил юбормоқ. Беморни касалхонага юбормоқ.* ■ *Сиз, шаҳаншоҳ, ўша соати музаффарни тайин айлаб, биз қулларига хабар юборсалар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шоҳрух.. вилояту ўлкаларга кўпроқ ўз ўғилларини юборди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Қуймоқ, киритмоқ. *Врач беморнинг венасига дори юборди.*

3 *кўм. фл. взф.* ***-(и)б*** шаклли етакчи феъл билан қўлланиб, ҳаракатнинг тугал, кучли тарзда, қўққисдан бажарилиши каби маъноларни билдиради. *Қизитиб юборди. Қичқириб юборди. Қўрқитиб юборди. Йиқитиб юборди. Унутиб юборди.*

Жаҳаннамга юбормоқ Нобуд қилмоқ, ўлдирмоқ. *-Пошша талаяптими, ҳозир ҳаммасини жаҳаннамга юборамиз, қорачам! — пошшаларни эзиб давом этди Жўра.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮВИБ-ТАРАМОҚ Ювинтириб, тараб парвариш қилмоқ, шу жиҳатдан аҳволига қарамоқ. *Ота-она фарзандини туғилган кунидан эътиборан парваришлаб, ювиб-тараб, эркалаб-суйиб катта қилади.* Газетадан. *Қўшнилар савоб учун Малакнинг сочини боқиб, ювиб-тараб қўярди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

ЮВИНДИ I **Ювмоқ** фл. ўзл. н., ўтг. зам., 3-ш. бирл. шакли. *Муздек сувга ювинди.*

ЮВИНДИ II **1** Қозон-товоқ, идишларни ювишдан чиққан, таом қолдиқлари аралаш сув. *Бора-бора Тўрткўзнинг увуллашлари аста-секин камайиб, ўзи эса ҳамма чиқариб берган ювиндиларни ичавериб, салда семириб кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Ювиндиларни сигир-бузоқларга беради.* Ойдин, Ҳикоялар.

2 *кўчма* Худди ювинди каби, жуда сифатсиз суюқ овқат, саркит. *Эшигида ювиндисига зор бўлган полвоннинг давлатини бир кўрсин, куйиб ўлсин!* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Ювиш, ювинишлардан чиққан сув. *Паст-баланд қурилган хоналардан оққан ювинди сувлар пишиқ ғиштлардан равоқсимон шаклда ясалган тазар [канализация қувури] орқали чуқур обрезга [кир ўрага] келиб қуйилган.* Газетадан.

ЮВИНДИХЎР Бировларнинг ювиндиси, саркити эвазига хизматини қиладиган шахс. *Энди келиб-келиб бировнинг саркитини ейдиган бўлиб қолдингми? Энди ювиндихўр бўлиб қолдингми?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ўртоқларинг сени, сен ювиндихўрни ҳамқишлоғимиз дегани ор қилишади!.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЮВИНМОҚ Бутун аъзоларини ёки маълум қисмини ювиб тозаламоқ. *Ваннада ювинмоқ. Душда ювинмоқ.* ▬ *У ечиниб, энди ювинаётган эди, эшик тақиллади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ғуломжон буларнинг ҳаммасини кўтариб, ҳовлига ювингани кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮВМОҚ 1 Сув (баъзан спирт, керосин ва ш.к.) билан ишқаб тоза қилмоқ, кирини кетказмоқ. *Бетни ювмоқ. Қўлни совун билан ювмоқ. Идишларни ювмоқ. Ярани спирт билан ювмоқ. Узумни ювиб емоқ.* ▬ *Тўртинчи косани олиб кириб кетгандан сўнг, Ҳаёт қозонни ювди-ю, қопқоғини ёпиб, кириб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Баҳор ариқ бўйига ўтириб, помидор, бодринг ва пиёз ювди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *[Эрали] Отларни.. ювиб, тараб, эгарлаб, юганларди.* «Эрали ва Шерали».

Кир ювмоқ Кир бўлган кийим ҳамда дастурхон, сочиқ, чойшаб каби рўзғор буюмларини кир кетказувчи воситалар (совун ва ш к.) билан сувда ишқаб тозаламоқ. [*Ойимхон*] *Очдан ўлмаслик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақига бир коса кепак олиб, нон қилиб еган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Оқизиб олиб кетмоқ, ўпириб ёки ўйиб кетмоқ. *Ёмғир девор сувоқларини ювиб кетди.* ▬ *Сув нов остини ювиб кетяпти.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Аму оқар қирғоқни ювиб, Кунлар ўтар кунларни қувиб.* Ғайратий.

3 *қ.х.* Тупроқ шўрини кетказиш мақсадида далага сув қўймоқ; яхоб бермоқ. *Шўр ерларни қишда уч-тўрт марталаб ювдик.* ▬ *Бу ерни текислашга ҳам, шўрини ювишга ҳам эҳтиёж йўқ.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *с.т.* Эришилган ғалаба, муваффақият ёки бирор яхши нарсанинг қўлга киритилишини зиёфат билан нишонламоқ. *-Оғайнилар, энди.. кечирасизлар, — деди Сангин плашининг чўнтагидан яримта ароқ чиқариб, — бу келганларинг ҳисоб эмас, квартирани алоҳида ювамиз.* А. Мухтор, Туғилиш. *Бобо амаким ҳам олтмиш йиллик тўйларини қилиб беришлари керак. Пенсияни ювмасалар бўлмайди.* И. Раҳим, Тақдир.

Гуноҳини (*ёки* **айбини, доғини** ва ш.к.) **ювмоқ** Эзгу иш, яхшилик, ибратли хатти-ҳаракат ва ш.к. билан ўзини оқламоқ; гуноҳидан холи бўладиган иш қилмоқ. *Махдумнинг бу сўзи юқоридаги гуноҳини ювгандай бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Гулнор энди тап тортмади. Соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кир**

ювди *қ.* **кирювди**. **Қўлни ювиб, қўлтиққа урмоқ** (*ёки* **тиқмоқ**) Бирор кимса ёки нарсадан кўнгли совимоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ. *Офтоб ойим эридан ҳам қўлини ювиб, қўлтиғига урган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮВОШ 1 *сфт.* Шўхлик қилмайдиган, тинч ёки жим юрадиган; беозор. *Ювош бола. Ювош от.* ▬ *Мусулмонқул.. қўй каби ювош Тошкент ҳокими Салимсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дадам жуда ювош, ширинсўз чол эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юрагингиз дарё-да, ойи! Ёки синфга нуқул ювош, ақллиларини териб олганмисиз-а!* Ҳ. Назир, Опахонимиз.

2 *рвш.* Беозор тарзда. *Зайнаб ювошгина кулиб, қизариб, чамадончасини кўча ўртасига қўйди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Қамчи жаҳлидан тушиб, Мавлон акага яхши шогирдлардек ювош боқди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЮВОШЛАНМОҚ Ювош бўлиб қолмоқ, аччиғидан тушмоқ. *Бу от анча ювошланиб қолди.* ▬ *-Чиқ, яқинроқ ўтир, гап кўп, — деди ювошланиб чол.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЮВОШЛАШМОҚ *айн.* **ювошланмоқ**. *От ювошлашди.*

ЮВОШЛИК Ювош хислатга эгалик; беозорлик. *Озғин, лекин бақувват уста Замоннинг ювошлиги.. меҳнатсеварлиги солдатларга ёқарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Унинг тўғрилиги, ювошлиги Норбувининг онасига ёқиб қолиб, ўз қизини «арзон-гаровга» тўй қилиб берди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЮВУҚЛИ Ювилган, тозаланган, тоза. *Ювуқли идишлар. Ювуқли кир. Косалар ювуқлими?*

ЮВУҚСИЗ 1 Ювилмаган, кир, ифлос. *Ювуқсиз идиш. Ювуқсиз сочиқ. Қўли ювуқсиз бола.* ▬ *У кишининг* [*Бобохоннинг*] *зарбидан кўрққан баъзи муллаваччалар.. бетлари ювуқсиз ҳолда дарсларини такрор қила бошлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ерўчоқ олдида даста-даста ювуқсиз лаганлар ётарди.* С. Аҳмад, Пойқадам. *-Кир-чири ювуқсиз қолмасин, вақти бемаҳал иссиқ томоқсиз қийналмасин, деб раҳмим келганидан теккандим бунга, — деди Сабохон.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *кўчма* Ҳаром-ҳаришни фарқ қилмайдиган; нопок. *Мана шунақа ювуқсизларнинг гапига ишониб, йўқ нарса учун билмасдан хафа бўлиб юрадими!* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

ЮВҒУЧИ Мурдани ювиб кафанловчи шахс; ғассол, мурдашўй. *Наби ака Қодиржоннинг иягини малла бўз белбоғи билан боғлаб, ювғучи Салоҳиддинхўжа ва Мамажон гўрковнинг уйига қараб жўнади.* А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

ЮГАН I От, эшак каби уй ҳайвонларини бошқариш учун улар бошига солинадиган, сувлиқ, тизгин ва қайиш тасмалардан ясалган абзал. *Ойқиз бўлса.. бир қўли билан юганни ушлаб, отни бошқарарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Отларни оғилга боғладилар, юганларининг сувлиқларини чиқариб, олдиларига кўк беда солдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮГАН II Гули сариқ, баланд ўсадиган кўп йиллик ўт.

ЮГАНЛАМОҚ 1 От, эшак каби уй ҳайвонларининг бошига юган солмоқ, юган урмоқ. *Тойни юганламоқ.* ▬ [*Эрали*] *Отларни ювиб, тараб, эгарлаб, юганларди.* «Эрали ва Шерали».

2 *кўчма* Ўз измига бўйсундирмоқ, бошқармоқ. *Асов дарёларни юганламоқ.* ▬ *Яйдоқ бўз ҳам маданий, Биз уни юганладик.* Ғ. Ғулом.

ЮГАНЛИ Югани бор; юганланган. *Юганли от.* ▬ *Ҳукмдорнинг бир чокари Ибн Синога зар ёқали тўн кийгизиб, кумуш юганли арабий отни кўндаланг қилди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЮГУРГИЛАМОҚ *с.т.* Тез-тез югурмоқ, чопқилламоқ. *Йигитлар югургилаган боланинг орқасидан кичкина кўчага қайрилишди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ёрмат билан Нормат югургилаб, суюнчига чиқиб кетишди.* А. Мухтор, Чинор.

ЮГУРДАК 1 Бировга хизмат қилиб турадиган шахс; хизматкор, малай. *У* [*Йўлчи*] *сўрамаса ҳам, чойхоначининг югурдаги чой қўйиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ибодилла, бой боласи бўлгани билан, отасининг югурдаги, холос.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Ёрдамчи, дастёр. *Мана, ойим, сизга яна бир дастёр — югурдак топиб келдим.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

3 *эск.* Бирор идоранинг хат-хабарларини тегишли кишиларга ёки муассасаларга ташувчи ходим; хат ташувчи. *Мадраимни сельсовет [қишлоқ кенгаши]нинг ўша вақт-*

даги раиси районга олиб бориб, ижроқўм югурдаги қилиб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *салб.* Бировнинг буйруғини ёки топшириғини хушомадгўйлик билан бажарувчи; лаганбардор, малай. *Амалдорларнинг югурдаклари кўча-кўйларда одам ўлдиришга киришдилар.* С. Айний, Жаллодлар.

5 *айн.* **югурик 2**. *Югурдак оёққа кавуш топилар.* Мақол. ▬ *Гулшан дегани шаккокроқ, тили югурдак, ўзи зийрак-туйғун.. эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЮГУРДАКЛИК Югурдак иши, вазифаси. *Йўлдаги азоб-уқубат, дастёрлик, югурдакликдан тинкаси қуриган Дўсмат ака Кобулга етганда, қаттиқ касал бўлиб, тўсатдан вафот этди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар. *Кўчада қолган.. бировнинг хизматида югурдаклик қилувчи болалар озмунча эмасди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЮГУРИК 1 Тез югурадиган, чопадиган; чопқир, чопағон. *Кепак еган от югурик бўлмас.* Мақол. ▬ *Чўлоқ одам учун хизматкорлик қийин, боёқиш Қамбар бу камчиликни билдирмаслик учун югура-югура югурик бўлиб қолганди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳаёт мисли бир югурик дарё, оқади-кетади, сурган кайфу сафонгиз қолади, — қув кўзларини сузиб илжайди Эшонхон.* Ойбек, Улуғ йўл. *Икков миниб тулпор отти, Чопмоққа ҳаваси кетди, Кимнинг оти югурик, деб.* «Эрали ва Шерали».

2 Илдам, тез ҳаракат қиладиган; чаққон, тез (оёқ, қўл, тил ҳақида). *Югурик бармоқлар. Югурик оёқ. Қўл югуриги — ошга, Тил югуриги — бошга.* Мақол. ▬ *У* [*Абдишукур*] *болалик чоғида дадаси билан бирга янги шаҳарда резавор сотиб юргандаёқ, русчага тили югурик бўлиб қолган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ақли югурик Бирор масалани тез тушунадиган, тез ҳал қила оладиган; фаҳмли. *-Не-не ақли югурик донишлар жон бермаган бу йўлни солгунча.. — деди бува.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

ЮГУРИШ 1 Югурмоқ фл. ҳар. н. *Сиз лоп деса, ола қоп олиб югуриш ўрнига, ана шунақа иғвогарларни тутиб беришларингиз керак.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *спрт.* Йирик ва илдам қадам билан олға томон тез ҳаракат қилиш; чопиш. *Қисқа масофага югуриш. Узоқ масофага югуриш. Югуриш мусобақаси.*

3 *с.т.* Бирор ишни амалга ошириш ёки рўёбга чиқариш учун уриниш, югурибелиш, ҳаракат қилиш. *Шунча югуришлар бекорга кетди. Унинг югуришларидан бирор натижа чиқмади.*

ЮГУРМОҚ 1 Ирғишлаб, бирор йўналишда тез ҳаракат қилмоқ; чопмоқ. *Бор кучи билан югурмоқ. Бола югуриб, тепаликка чиқди.* ▬ *Шу маҳал бир тўда бола чуғурлашиб, гузар томонга югуриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулнор билан Унсин танчада ўтириб, бир-бирига меҳрибон эгачи-сингилдай сўзлашаркан, болалардан бири югуриб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *спрт.* Югуриш билан шуғулланмоқ; югуришда қатнашмоқ. *Қаердадир музика янграр, майдон четидаги йўлкаларда майкачан қизлар югуришарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *кўчма* Бирор иш ёки мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқ; ҳаракатида бўлмоқ, уринмоқ. *Ўқишнинг кетидан югурмоқ. Югурганники эмас, буюрганники.* Мақол. ▬ *Раис Умурзоқ отага ўхшаш обрўли, тажрибакор пахтакорларни қўлга олиш ниятида озмунча югурмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Бирор жой, томонга ошиғич, тез ҳаракатда бўлмоқ, йўл олмоқ. *Бугун Гавҳарнинг телеграммасини олиш билан вокзалга югурди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бу Отабекни Тошкентдан уйлантириб, бошини боғламасак, кун сайин унинг Марғилон югуришидан қутула олмасмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кўчма* Тезлик билан ҳаракатланмоқ (сув, шамол кабиларнинг ҳаракати ҳақида). *Қишлоқ ўртасидан ўтадиган икки сой тошлардан тошларга урилиб, кўпириб, узоқ пахта далаларига қараб югуради.* Мирмуҳсин, Ҳамзаободда. *Мирзачўлнинг оч бағрига Югурганда Сирдарё Ўйлаганми эди шундай Чаманлар яратишни.* Т. Тўла.

6 *кўчма* Пайдо бўлмоқ, намоён бўлмоқ, кўринмоқ (бирор хусусият, белги, холат ва ш.к. ҳақида). *Унинг юзига қон югурди.* ▬ [*Ибн Сино*] *Назари сатрлар оралаб йўрғаларкан, ер остидан хазина топган кишидек, қўллари аста титрайди, юзига ғалати*

табассум югуради. М. Осим, Китобга ихлос. *Малоҳат Каримованинг юзларига қизил югурди, юзидаги кулдиргичлар ҳуснига ҳусн қўшди, кўзлари чарақлаб кетди.* Ойдин, Асл ёр. *Энди ҳар икковининг ҳам юзига жиддият югурди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЮГУРТИРМОҚ 1 Югурмоқ фл. орт. н. *Бир оз шамоллаб юргани учун касалхонага одам югуртирди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 Ҳаракатлантирмоқ, юритмоқ. *Бир эрта уйғониб, калламга қўл югуртирсам, сочларим остида яра-чақа уч берибди.* «Ёшлик». *Пахтакорлар эгатларга сув югуртириб, жўякларни юмшатиб олдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Ақл югуртирмоқ Ақлни ишлатмоқ. *..эшитганларингиздан кўпининг моҳиятига ақл югуртириб кўрмаган бўлишингиз мумкин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўз югуртирмоқ** Қараб чиқмоқ, кўздан ўтказмоқ. *У қуёшдан қўли билан кўзини тўсиб.. болаларга кўз югуртириб чиқди.* С. Зуннунова, Янги директор. *-Шоирман денг?! — қоровул қизиқсиниб, унга қайта бошдан кўз югуртирди.* Н. Фозилов, Шонли авлод.

3 Сиртига бирор нарса бермоқ; юритмоқ; таъминламоқ. *Узукка олтин суви югуртирмоқ.* ▬ *Дўппининг олдин ипак югуртирилган гуллари ўрнида турли ипаклар билан тикилган мукаммал гуллар пайдо бўлган сайин, у ўз ишидан завқланарди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЮГУРТМОҚ *айн.* **югуртирмоқ.** *Тозилар югуртиб, тоққа чиқардим..* «Муродхон». *Қози домла қўлларини ювиб туриб, дастурхонга кўз югуртди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сартарош.. секин «бисмилло!» деганича, устарани Миркаримнинг бошидан чаққон югурта кетди.* Ойбек, Болалик. *Йўлчи атрофга кўз югуртиб, ошхонага кирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮГУР-ЮГУР Бирор оғир ва шошилинч ишни амалга ошириш вақтида юз берадиган оворагарчилик, ҳовлиқиб у ёқдан бу ёққа чопиш; чоп-чоп. *Шунча югур-югурдан ҳеч қандай натижа чиқмади.* ▬ *Кўчада югур-югур, шовқин, итлар вангиллаган, товуқлар қийқиллаб қочган.* А. Қаҳҳор, Башорат.

ЮЗ I **1** Одам бошининг олд томони, олд томондан кўриниши; бет. *Чўзиқ юз. Қизил юз. Кулча юз. Юзини ювмоқ.* ▬ *Бошқалар бўлса, Ниёз қушбегининг сўзидан кейин.. ҳожининг юзига тикилган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қизғин бўгувчи ҳаво юзга уради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Канизак.. дуррасининг учи билан юзини бекитиб, тескари ўгирилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Инсон бетининг у ёки бу томони; ёноқ. *Раъно супага оёқ солинтириб ўтириб олди. Кампир уни кўриб, аввал ўзини йўқотиб қўйди, кейин бўйнидан қучиб, у юзидан, бу юзидан ўпди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт. *Унинг юзларида, дудоқларида йигитнинг юрагини эритувчи бир табассум ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бу йигитнинг сурати.. ўнг юзидаги қора холи Шаҳзодага уйқу бермай қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Бирор нарсанинг устки томони, юзаси; сирт, сатҳ. *Қир юзини лолалар қоплаган. Кўк юзини булут босди. Ойнинг юзида ҳам доғ бор.* Мақол. ▬ *Мана, икки ойнинг ичида яйдоқ дала юзи ям-яшил ғўза ниҳоллари билан қопланди.* Газетадан. *Деразаларга урилган ёмғир парчалари ойна юзини ювиб.. пастга оқарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..унинг қор юзида жимирлаб ўйнаши кўзни қамаштирарди.* Ҳ. Шамс, Душман.

4 Айрим нарсаларнинг у ёки бу томони, тарафи, қирғоғи. *Кўчанинг икки юзида қатор уйлар.* ▬ *-Дарёнинг бул юзида қолиб, ул юзидаги ёрига етолмай қақшаган бадбахт ошиқ шўри бошимда, — деди Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мусулмонқул Чирчиқ бўйига келиб етганда, қушбеги бошлиқ Тошкент йигитлари ҳам сувнинг бериги юзида кутиб турган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Обрў, эътибор; юз-хотир. *Эр юзини ер очар, ер юзини эр очар.* Мақол. ▬ [*Юсуфбек ҳожи:*] *Ҳар ҳолда ҳурматларини бажо келтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни деб келадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Кесиш ёки чопиш асбобларининг тиғи. *Пичоқнинг юзи. Болтанинг юзи.* ▬ *Гўрков кетмон урса, ер нақ тошдай, кетмон юзини қайирибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 *мат.* Текислик ёки сиртнинг чизиқлар билан ўралган қисми; сатҳ. *Доиранинг юзи. Учбурчак юзи.*

Ер юзи 1) ернинг юзаси, сирти. *Маматов билан Бобоёровлар бригадасида шудгор қилиш ўрнига фақат ер юзи тирмаланган,*

холос. «Муштум»; 2) бутун олам; дунё, жаҳон. *Тошкент ер юзининг турли жойларидаги биродарлашган шаҳарлар билан мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатган.* Газетадан. **Ер юзини кўрмоқ** Дунёга келмоқ, пайдо бўлмоқ. *-Бунинг ўз оти ўзи билан. Етти ойда ер юзини кўрди. Еттивой бўлади-да, — дебдилар [бувим].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ёруғ юз билан** Ҳеч қандай камчилик ёки айбсиз ҳолда. *Баракали юк билан декадага отланиб, Яшин ёруғ юз билан хушнуд қадам ташлади.* «Муштум». **Юз амри ширин** Бет бетга тушиб турганда, юз-хотирга бориш, бирор иш, хатти-ҳаракатдан ўзини тийишни билдирувчи ибора. *-Тўғри, юз амри ширин-да! — Турсун ака жаҳл билан эшикни ёпиб чиқиб кетди.* «Муштум». **Юз бермоқ** Юзага келмоқ; бўлмоқ. *Бу шу қадар тез юз бердики, Ҳафиз ҳам, унинг ёнида турган одамлар ҳам йиқилганидагина кўриб қолишди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Асосий қурилиш ишлари кенг қулоч оттирилган бўлса, нега бундай ҳол юз бериши мумкин?!* «Ўзбекистон қўриқлари». **Юз кўрар** *этн.* Никоҳнинг эртаси куни кўрмана билан келин кўриш маросими. **Юз кўрсатмоқ** Пайдо бўлмоқ, кўринмоқ. *Хаёл гирдобида чўмилиб ётар, Унда юз кўрсатар яшнаган сароб.* Р. Парфи, Кўзлар. **Юз очмоқ** Намоён бўлмоқ, ўзини кўрсатмоқ. *Янги бир китобни варақлагандай, Кунлар ўтади-ю, юз очар баҳор.* Ё. Мирзо. *Машина кўп юрмай, дўнгликдан ўтди-ю, тамомила бўлак манзара юз берди.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Юз тутмоқ** Ўзи бирикиб келган сўз англатган нарса, ҳаракат, ҳолат сари йўналишни билдиради. *Инқирозга юз тутмоқ.* ▬ *Гулханий феодализм тузумининг тушкунликка юз тутган бир даврида Қўқон хонлигида яшади ва ижод этди.* «ЎТА». *Юракларни қаттиқ ўйнатган ҳовлиқиш дамлари ўтди, энди нафас ўнгланишга қараб юз тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Юз ўгирмоқ** 1) *айн.* **юзини ўгирмоқ.** *-Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, — деди Раҳмат ва Отабекка юз ўгирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) алоқани узмоқ; кечмоқ. *Агар яна бир оғиз сўз айтсанг, мен сендан юз ўгираман!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қариндошларимиз ҳам дадамдан юз ўгиришган. Пианиста дейишади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Юзи ёруғ** Иш-фаолият, хатти-ҳаракатида камчилиги ёки айби йўқ ҳолатли. *Хирмонимиз баракали бўлса, давлатимиз, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.* Газетадан. *Эшитдим. Ҳайтовур, бечора қизнинг юзи ёруғ бўлди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Юзи йўқ** Орномуси, уяти йўқ; бетсиз. *Шу тобда Мирбадал кўзимга кўринармиди-я. Юзи йўқ экан!* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Юзи чидамаслик** Орияти йўл қўймаслик. *Ҳадеб ишдан жавоб сўраб келаверишга юзим чидамай қолди.* «Муштум». *Содиқжон бойвачча «уч таноб ер, катакдек чорбоғ»ни анчадан бери кўз остига олиб юрар, лекин буни Пўлат отага айтишга юзи чидамай келарди.* К. Яшин, Ҳамза. **Юзи шувут** *қ.* **шувут.** *Энди юзи шувут, нима қилишини билмай ўтирибди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. **Юзи қора** Айбдор, гуноҳкор ҳолатли. *..ўз жони ва икки боласини деб, икки лочинни тутиб берса, юзи қора бўлиб, эл ичида қандай бош кўтариб юради кейин.* К. Яшин, Ҳамза. **Юзи қурсин** Нафрат, ҳазар ифодаловчи ибора. *Ёмоннинг юзи қурсин..* **Юзига айтмоқ** Шахсан ўзига очиқ, рўйирост айтмоқ. *У.. мажлисларда кимнинг айби бўлса, шартта юзига айтаверарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳозир ўзлари бўлганда, юзларига айтар эдим.. Яхшиси, халақит бермасинлар.* Н. Сафаров. **Юзига ёпиқ** Қулф ёки бошқа нарса билан маҳкамланмай беркитиб (ёпиб) қўйилган (эшик, дераза кабилар ҳақида). *Бурчакда, ердан икки ярим газлар юксакликда кун ботишга қаратиб қурилган иккита кўримсиз бир бетли эшиклар юзларига ёпиқ ҳолда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юзига ёпмоқ** (*ёки* **бекитмоқ**) Қулфламай ёки бошқа нарса билан маҳкам (очилмайдиган) қилмай беркитмоқ (ёпмоқ). *Ювош ғийқиллатмасликка ҳаракат қилиб, деразани юзига ёпиб қўйди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..тувоқни ёпиб, кўча эшикни юзига бекитдида, супага чиқиб, омонатгина ёнбошлади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Юзига оёқ қўймоқ** (*ёки* **тирамоқ**) *қ.* **оёқ. Юзига солмоқ** Таъна, миннат тарзида ўзича гапирмоқ. *Уни юзхотир қилмай, золимлигини дангал юзига солишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ваҳолонки, одамлар эсида сақлаб юраркан. Йиғиб юриб, юзингга соларкан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Юзига қарамаслик** (*ёки* **бормаслик**) Ўзгага бериш, сарфлаш ва ш.к. да аяб, ҳисоблашиб ўтирмаслик. *Барака топ, айланай, йигит деган шунақа мард бўлса.*

Беш сўм, ўн сўмнинг юзига қарамаса! О. Ёқубов, Тилла узук. *Булар бир тийин, икки тийин, беш тийиннинг юзига қарамай, чойга, нонга.. ортиқча пул тўлаб кетар эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола. **Юзини ерга қаратмоқ** Юзи шувут ҳолга солмоқ, ор-номусдан хижолатли ҳолга туширмоқ. *Ватаннинг амри шу, бурчингни бажар, Охири юзимни ерга қаратма!* Ғайратий. *Ҳасан аканинг юзини ерга қаратадиган бўлдик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Юзини кўрмоқ** Ўзи бирикиб келган сўз англатган нарса, жой ва ш.к. да пайдо бўлмоқ, кўринмоқ маъносини билдиради. *Дунё юзини кўрмоқ.* ▬ *Лермонтовнинг рус драматургиясининг ажойиб дурдоналари ҳисобланган саҳна асарлари фақат бир неча ўн йилдан кейингина саҳна юзини кўрди.* Газетадан. **Юзини ўгирмоқ** 1) юзини бошқа томонга бурмоқ. -*Сизнинг олдингизда ечинайми? -Уялсангиз, мен юзимни ўгириб турай.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *айн.* **юз ўгирмоқ.** *Авом улардан юзини ўгирган..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фақат кечагина юзини ўгириб олган бу ситамкор бахт Мадумар оиласига тўлиб-тошиб, қучоқ очиб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қайси юз билан** Уялмай-нетмай, қандай қилиб. *Энди қайси юз билан халққа қараймиз?* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ундоқ бўлса, бу ерга қайси юз билан келади?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЮЗ II *снқ. сон* **1** 100 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Юз қадам. Юз сўм. Юз дона қилам. Бундан юз йил илгари. Юз даражали термометр. Юздан бир қисм. Юзгача санамоқ. Мингни юзга бўлмоқ.* ▬ *Жиян, ақлинг бўлса, кишининг бир тийинига хиёнат қилма. Тийин ҳам пул, юз.. сўм ҳам пул.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Кўп, кўп марта. *Мард бир ўйлар, номард юз ўйлар.* Мақол. ▬ *Адолат юз изтиробда тўлғанган қалбини енгди-ю, бошини кўтарди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Йўлчи ўз онасидан юз марталаб эшитган гапларни Мирзакаримбой ҳикоя қила бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮЗА 1 Бирор нарсанинг усти, устки қисми, юзи, бети; сирт, сатҳ. *Силлиқ юза. Сув юзаси.* ▬ *Юзадан ярим метргача нам тупроқ, ярим метрдан кейин ботқоқ кўчади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Қўшниларнинг баланд иморатлари ҳовли юзасига андаккина офтоб туширарди, холос.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Атрофи очиқ, яланг; баҳаво. *Ҳожи уларнинг олдига — юзага чиққач, Офтоб ойим салом бериб, рўмоли билан томоқ остларини ўраб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Мана шу ёқ бир оз юзага ўхшайди, — деб аравакаш от бошини кўчанинг ўнг тарафига бурди.* Ойдин, Фонарь тагида.

3 *рвш.* Ер юзасига яқин, чуқур эмас. *Қизилқумнинг айрим ерларида тупроқ жуда юза ковланар, кўпинча агрегатлар харсанг тошларга дуч келиб, таққа тўхтаб қоларди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Кўпчилик майдонларимизда ер ости сувлари юза жойлашган.* Газетадан.

Юзага келмоқ 1) пайдо бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ; яралмоқ. *Камишкапада деворлари ганч сувоқ қилиб оқланган, қизил тунука томли бир бино юзага келди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) содир бўлмоқ, рўй бермоқ, келиб чиқмоқ. *Орада зиддият юзага келди.* ▬ *Автобус ичида одамлар зич, ҳаво дим.. нафасни бўғадиган вазият юзага келган эди.* Газетадан. **Юзага чиқмоқ** 1) сиртида пайдо бўлмоқ, сиртга чиқмоқ. *Уларнинг ҳам жасади қум орасида ётади-да, бир куни шамол бўлиб, уларнинг ҳам суяклари юзага чиқиб қолади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ер остида ётмасдан Юзага чиқсин конлар.* Қ. Муҳаммадий; 2) пайдо бўлмоқ, вужудга келмоқ; маълум бўлмоқ. *Атом энергияси ядро ичида яшириниб ётади ва фақат ўша ядро ёрилгандагина юзага чиқади.* «Фан ва турмуш»; 3) рўёбга чиқмоқ, амалга ошмоқ. *Киши ҳақ бўлса, жонини ҳақиқат йўлида фидо қилса, унинг эзгу иши юзага чиқади.* Н. Сафаров, Олов излар. *..лекин, ука, ер олганимдан кейин ҳам ўша мўлжалларим юзага чиқмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 4) ўзига хос мавж билан маълум бўлмоқ, эътибор қозонмоқ; кўринмоқ. *Албатта, ҳақ жойида қарор топади, биз яна юзага чиқамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЮЗАКИ Асосли ва жиддий бўлмаган, енгил-елпи. *Дастлабки юзаки таассурот остида ўйламасдан дағал гапирди чоғи.* А. Мухтор, Туғилиш. *Акс ҳолда, ўқувчининг билими юзаки бўлиб қолаверади.* Газетадан. *Қурилиш бошқармаси бу ишга юзаки қараётганини танқид қилди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ЮЗАКИЧИЛИК Масалага енгил-елпи қараш, жиддий эътибор билан иш тутмаслик. *Баъзи қурилиш раҳбарлари планнинг бажарилишига берилиб кетиб, юзакичилик, қалбакичиликка йўл қўймоқдалар.* «Муштум». *Бу соҳада ҳамон юзакичилик, расмиятчилик давом этаётгани каби фактларга энди тоқат қилиб бўлмайди.* Газетадан.

ЮЗАСИДАН *кўм.* Оидлик, сабаб каби муносабатларни ифодалайди; учун, ҳақида, бўйича. *Одоб юзасидан. Давлатга жун сотиш юзасидан олинган мажбурият бажарилди. Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.* ▬ *Ҳовлисида ёки эшигига яқин очиқроқ ерда эҳтиёт юзасидан оғзи тор, ичи кенг бошпана ковланган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ахир, хизмат юзасидан чақирди — борди. Бир пиёла чойга таклиф этди.. йўқ демади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Валихон ҳурмат юзасидан таъзим қилиб, унга ҳалиги қоғозни узатди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЮЗБОШИ *тар.* **1** Ўрта Осиё хонликларида (18-19-асрларда): юзта отлиқ аскарга қўмондонлик қилувчи ҳарбий бошлиқ. *Сарбозларнинг юзбошилари катта ойлик олардилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Қишлоқ ёки маҳалла оқсоқоли. *Миршаб ва юзбошилар фуқарога юқоридан қараб, дағал муомала қилар ва ўшқириб гапирардилар.* М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари. [*Ўғрилар*] *Юзбошини ғалати қилишибди: бир сандиқ тилласи бор экан, олиб чиқиб, олдига қўйишибди, «Еганингча егин, қолганини олиб кетамиз», дейишибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЮЗКЎРДИ *этн.* Никоҳнинг эртаси куни кўрмана билан келин кўриш, шунингдек, янги чақалоқни кўриш (кўрсатиш) маросими. *Жасура туғилган йили, чақалоқ баҳона юзкўрди, яраш-яраш қилиб биринчи марта хотини билан қишлоққа борган эди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ЮЗЛАНМОҚ 1 Бирор кимса ёки нарсага юзини қаратмоқ, унга томон ўгирилмоқ, қарамоқ. *Нормурод Шомуродов қандайдир тараддуд билан меҳмонга юзланди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Директор бир неча варақ қоғозни стол устига қўйиб, залга юзланди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Ҳамма ўша томонга юзланди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Рўбарў (юзма-юз) бўлмоқ. *Бу лаҳза унинг кетидан келиб, ҳовлида турган Низомиддин билан Бадиа Зулфиқорга юзланишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бирор томонга қараб юрмоқ, йўл олмоқ. *Бундан икки ой илгари, йигирма беш ёшда [Тўғонбек] Ҳиротга юзланди.* Ойбек, Навоий. *Омади кетган немиснинг шашти қайтиб, шарқдан юз ўгириб, ғарбга томон юзланиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Юз бермоқ, келиб чиқмоқ. *Мен учун шу кунларда сознинг овози эшитилса бас! Қўрқаманки, бехудлик юзланмаса!..* С. Абдулла, Қувғунда.

ЮЗЛАШМОҚ Бир-бирига рўпара бўлмоқ, юзма-юз келмоқ, учрашмоқ. *Ҳомид узоқ ўйлаб турмади, юзидаги совуқ бир ўзгариш ичида: -Майли, башарти юзлашмоққа тўғри келганда ҳам, мен ҳозир, — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўлмаса, ҳақиқат қилинг, Қодирбек Мансуровни чақиртиринг, мен билан юзлашсин.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ЮЗЛИ Аниқловчи орқали ифодаланган белгили (тахлит, тусдаги) юзга эга. *Лўппи юзли. Қизил юзли.* ▬ *Бу икки кишининг иккинчиси узун бўйли, қора чўтир юзли, чағир кўзли.. ўттиз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮЗЛИК *кам қўлл.* Юзга тутиладиган нарса (рўмол, тўр ва ш.к.). *Келиннинг юзлик рўмоллари хотинлар ўртасида талаш бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮЗМА-ЮЗ *рвш.* Қарама-қарши, рўбарў, бетма-бет; тўқнаш. *Юзма-юз ўтирмоқ. Юзма-юз келмоқ. Юзма-юз қилмоқ.* ▬ *Унга юзма-юз келиб, бундай қўрс, бундай терс гапларни ҳеч вақт айтган эмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Улар столнинг икки томонида бир-бирларига юзма-юз бўлиб ўтирдилар.* Х. Тўхтабоев, Шонли авлод.

2 Бевосита алоқада, дуч ҳолатда; бақамти. *Меъмор билан юзма-юз гаплашмай туриб, бундай қарорга келиб бўлмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..асосий эътибор биринчи марта таржима билан юзма-юз келаётган олий мактаб талабаларига сўз санъатининг бу соҳасига оид зарур билим беришга қаратилди.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Шабон Очилова келинчаклигидан яй-*

ловда. Танти, ўжар табиат билан юзма-юз яшайди. «Саодат».

ЮЗМОҚ *шв.* Сузмоқ. *Дарёда юзган қайиқми..* Пўлкан шоир.

ЮЗПАНА: **юзпана килмоқ** Бирор нарса билан юзини беркитмоқ, пана қилмоқ. *Рўмоли билан юзпана қилиб, Гулнора келади.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ЮЗСИЗ Раъй-андишани билмайдиган, ор-номуссиз, уятсиз. *Юзсиз одам. Ўзи юзсиз — сўзи тузсиз.* Мақол. ▬ *Эрим, деб туққан онангдан кечасанми, юзсиз?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Юзсиз калиш Одатда этик ёки ботинка билан кийиладиган юзи қисқа калиш.

ЮЗСИЗЛИК Юзсизга хос иш, хатти-ҳаракат. *Юзсизлик қилмоқ.* ▬ *Шербек йигитнинг юзсизлигидан нафратланди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Моҳира ойим бу юзсизликдан ер ёрилса, ерга киргундек бўладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮЗТА 1 Юз дона, юз нафар. *Юзта дафтар. Юзта одам.*

2 *с.т.* Юз грамм (ичкилик ҳақида). *Қани, юр, юзта-юзта отамиз, опангнинг ҳурмати..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЮЗТАЛИК 1 Юз донадан иборат. *Юзталик папирос.*

2 Қиймати юз сўмга тенг, юз сўмлик (пул, облигация ҳақида). *Тўртта юзталик.* ▬ *..мен мактабнинг юзини эмас, «юзталик» ларни кўриб турибман.* «Муштум».

ЮЗТУБАН Юзини пастга қаратиб. *..секин эшикни очиб, ҳужрага қаради, юзтубан ётган Ҳамзанинг бошига борди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шарт қўймоқчи, юзтубан тиз чўктирмоқчи.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Юзтубан кетмоқ 1) юз ўгириб йўналмоқ. ..томон (қараб) кетмоқ. *Амирзодалар хунхорликлар, бемаъни ишлар қилиб қўйиб, салтанат таназзулга юзтубан кетаётганида, бу айбни бошқа бир одамга тўнкаб, «фарзин» айирбошлашадилар..* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) тубанликка (пасткашлик, разилликка) юз тутмоқ. *..истиқболлари учун курашаётган халқларнинг умумий ишига қўшаётган жуда катта ҳиссамизни чиппакка чиқаришга уринар эканлар, бу уларнинг юзтубан кетганликларини кўрсатади.* Газетадан.

ЮЗ-ХОТИР Андиша, риоя. -*Сўзга чиққандан кейин ҳеч кимни юз-хотир қилмай, дадил танқид қилавериш, камчиликларни очиб ташлаш керак, — деди Хўжаев.* А. Муҳиддин, Юзга айтганнинг заҳри йуқ. *Эрнинг юз-хотирини қилмайдиган хотин пирига ҳам дўст бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЮЗХОТИРЧИЛИК Ҳурмат, андиша юзасидан иш тутиш. *Юзхотирчилик, келишувчиликни безгакдан ҳам ёмон кўраман.* «Муштум».

ЮК 1 Бир ердан иккинчи ерга кўтариб, ташиб борилиши лозим бўлган оғирлик. *Оғир юк. Қўл юки. Юк ортмоқ. Юкни туширмоқ. Юки оғир эшак илдам юради.* Мақол. ▬ *Тешабой араваларга юк ортаётган қаролларга меҳмонхона айвонидан қараб турган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бой шаҳарга бир оз юк туширган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Кишини уринтириб қўядиган, ташвишга соладиган ортиқча нарса; ташвиш, дахмаза. -*Бахтим қурсин — узоққа чўзилмади, қайтага укам, синглим менга юк бўлиб тушди: ҳар иккаласини боқишим керак, — деди Гулсара.* М. Жўра, Изтироб. *Моҳидилнинг.. бошида ғалати ўйлар, фикрлар тўлқин ура бошлади.. Борди-ю, тузалмаса-чи? Бу ердагиларга оғир юк бўлиб қолмасмикан тағин?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

3 *с.т.* Қориндаги бола; ҳомила. *Эрталаб доду фарёд билан юкимдан бўшадим* [*деди Ҳожи хола*]. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳиқичоқ хола алланима бало қилиб, болани туширди-ю, онанинг бошига етди. Маъсума юкидан озод бўлгач, оёғини судраб, аранг уйига етиб келди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

4 Диний эътиқодга кўра, азиз-авлиёларни ранжитиш туфайли юз берадиган касаллик. -*Агарда! — деди кўз ёши қилиб Холжон хола, — азизлар юки босса ё ажиналар чалиб кетса, гуноҳим сизнинг бўйнингизда.* Ғайратий, Довдираш. *Нимжон бўлиб қолган бола қаттиқ иситмалаб, ёмон аҳволга тушгач, бола шайтонлабди, унга юк тушибди, «домлага ўқит», деб қўйишмайди..* Газетадан.

Юки ерда қолмайди Иши битмай қолмайди. *Сизнинг қанотингиз остида бўлсам, юким ерда қолмайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кўпчилик бор жойда юкингиз ерда қолмайди.* Ж. Шарипов, Саодат.

ЮККАШ 1 *айн.* **юкчи 1.** *Юккаш бўлиб ишламоқ.*

2 *айн.* **юкчи 2**. *Юккаш автомобиль. Юккаш кема.*

ЮКЛАМА *тлш.* Мустақил бўлак ёки гапга турли қўшимча маъно бериш, шунингдек, турли грамматик муносабатларни ифодалаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимча, мас. *наҳотки, холос, -чи, -ми.*

ЮКЛАМОҚ 1 Юк ортмоқ. *Машинага ғишт юкламоқ. Эшакка ўтин юкламоқ.* ▬ *Шу ерда аравага шох юклаётган Абдусамад қори дарров йўрғалаб чиқиб, жувонни гапга солди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Вазифа ёки иш топширмоқ, зиммасига қўймоқ; ортмоқ. *Ўз ишини бировга юклаб қўйди.* ▬ *Ҳамма ишни ўринбосаримга юклаб қўйдим.* «Муштум». *Ойнисага янги цех мудирлигини юклаб тўғри қилганига қаноат ҳосил қилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЮКЛИ 1 Юк ортилган, юки бор. *Юкли машина.* ▬ *Ўн икки қопқадан ўн икки йўлга Жўнаб кетар экан юкли карвонлар.* М. Шайхзода. *Тешабой юкли аравалар ёнида қўл қовуштириб турган қаролларга қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *с.т.* Ҳомиладор, ҳомиласи бор. *Юкли хотин.* ▬ *Пулимиз йўқлиги етмай, саргардон сарғайганимиз етмай, бунинг устига юкли бўлиб қолганим иккимизни қайғудан қайғуга отарди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮКСАК *кт.* **1** Баланд, юқори. *Юксак бино.* ▬ *Сенинг режанг билан юксак тоғларнинг Ушатдик, қўзғатдик зўр бардошини.* Ғайратий. *Фақат юқори синф шогирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида нималардир тўғрисида жимгина, лекин жиддий суҳбатлашмоқда эдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма* Юқори даражадаги, олий. *Юксак унвон. Юксак мартаба. Юксак малакали мутахассислар. Юксак ҳурмат.* ▬ *Бу юксак инсонийлик барқарор экан, бизни ҳеч қандай душман енголмайди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ЮКСАКЛИК 1 Юксак ҳолат. *Уйнинг юксаклиги.* ▬ *Бурчакда, ердан икки ярим газлар юксакликда кун ботишга қаратиб қурилган иккита кўримсиз бир бетли эшиклар юзларига ёпиқ ҳолда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ер сатҳидан жуда юқоридаги бўшлиқ, баландлик; осмон. *Ой юксакликка кўтарилган, бепоён пахтазор кумуш нур ичида чайқалади.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

ЮКСАЛИШ 1 Юксалмоқ фл. ҳар. н. *Хирмонимизнинг юксалишида илғор теримчиларнинг ҳиссаси катта.* Газетадан.

2 Тараққий этиш, ўсиш, юксак даражага эришиш. *Маданий юксалиш.* ▬ *Юксалишимизнинг мезони ҳам, чароғбони ҳам шу биродарлигимиз, шу қардошлигимиз, шу улуғ дўстлигимиздир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ЮКСАЛМОҚ 1 Баланд кўтарила бормоқ, юқори томон ўрламоқ. *Ҳамманинг кўзи узоқдаги, осмонни ютмоқчидек қутуриб юксалган даҳшатли ёнғинда эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Чўққиларга кетсам юксалиб, Пастда қолиб кетар адирлар.* У. Қўчқоров.

2 *кўчма* Ўсмоқ, ривожланмоқ; камолотга эришмоқ. *Маданиятимиз тобора юксалмоқда.* ▬ *Асосий вазифалардан бири ёш ҳаваскор ёзувчиларнинг ижодий юксалишига ёрдам беришдир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЮКУНМОҚ *кам қўлл.* **1** Ўтиниб (бош эгиб, тиз чўкиб) мурожаат қилмоқ, илтижо қилмоқ, ёлвормоқ. *Ўртага она тушди. Кўзларидан ёшларини қуйиб, юкуниб, эрга ялинар, фақат инсоф, адолат тилар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Таъзим қилмоқ. *Шайхулислом юкуниб, қоғозни хон қўлидан олиб, унга кўз югуртирар экан, қолганлар ташвишга тушдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Шаҳзодалар бориб, юкуниб, айри-айри кўришдилар ва подшоҳнинг узатилган қўлини камоли эҳтиром билан ўпдилар.* Ойбек, Навоий.

ЮКЧИ 1 Юк ташиш, ортиш, тушириш билан шуғулланувчи ишчи. *Степан душман қўлига ўтиб кетган кичик бир пароходга юкчи бўлиб кирди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Хўжабеков куни билан елкасидан беш пудлик қоп тушмаган юкчидай, эшикнинг кесакисига суянди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Юк ташишга мўлжалланган, юк ташийдиган. *Юкчи самолёт. Юкчи такси.* ▬ *-Йўқ, бу эмас, — деб қўйди Акбар ака, узоқлашаётган кумуш рангли самолётни кузатар экан, — Халилжонники юкчи.* С. Акбаров, Отанинг хаёллари.

ЮЛДУЗ 1 Қизиган газ (плазма)лардан таркиб топган, табиатига кўра Қуёшга ўхшайдиган, кечаси нур сочувчи нуқта бўлиб кўринадиган осмон жисми. *Ёруғ юлдуз. Хира юлдуз. Қутб юлдузи. Юлдузлар туркуми.* ▬ *Оқшом чўкди Тошкент қўйнига, Милтиллашиб кўкларда юлдуз.* Х. Салоҳ. *Бу ерга қуёш оғди — салқин тушади, кечалари, тепамизда юлдуз тўла осмон.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

2 Бир неча ўткир учли геометрик шакл ҳамда шундай шаклга эга бўлган нарса. *Беш учли юлдуз. Юлдузнинг шаклини чизмоқ. Арчанинг тепасига юлдуз ўрнатмоқ.*

3 *кўчма* Машҳур бўлиб танилган, шуҳрат қозонган шахс ҳақида. *Кино юлдузлари.* ▬ *Донғи кетган теримчи ва шуҳрат юлдузиман, Лафзи ҳалол, юзи оқ Фарғонанинг қизиман.* Уйғун. *Йиғилганларни қизиқтирган нарса ўзбек адабиёти ва санъатининг юлдузлари, ўзбек жангчилари бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Юлдуз (хотин-қизлар исми).

Юлдуз кўрмай жон берди Узоқ турмади, барҳам топди, йўқ бўлиб кетди, ғойиб бўлди. **Юлдуз санаб ётмоқ** *айн.* **тоқи санаб ётмоқ** *қ.* **тоқи. Юлдузи иссиқ** *айн.* **истараси иссиқ** *қ.* **истара**. *У* [*Умид*].. *рўпарасидаги юлдузи иссиқ қиздан асло кўз узмасди.* Мирмуҳсин, Умид. **Юлдузи (юлдузига) тўғри келди** Характери, феъли-атвори бир-бирига мос тушди; севишди. *-Мен жиддий сўраяпман, нега Исомиддинов билан юлдузларинг тўғри келмаяпти? Бирор сир борми? — деди Норбуви Каримовга.* Ҳ. Шамс, Душман. *Аброр билан Чиннихоннинг юлдузи юлдузига тўғри келиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. **Юлдузни бенарвон урадиган (одам)** *қ.* **бенарвон.**

ЮЛДУЗЛИ 1 Юлдузлар кўриниб турган, юлдузи бор. *Юлдузли кеча. Юлдузли осмон.* ▬ *Баландда, юлдузли кўкда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Юлдуз сурати солинган, юлдуз тамғали. *Беш юлдузли коньяк.*

ЮЛДУЗСИМОН Юлдуз шаклли, юлдузга ўхшаган, юлдузнамо. *Юлдузсимон шакл.*

ЮЛДУЗЧА 1 Юлдуз с. кичр. *Қизил юлдузча.* ▬ *Яланғоч дарахтлар майда юлдузчалар билан ёнган қора, ажиб, чиройли кўлкалар ташлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *плгрф.* Юлдузнамо босмахона белгиси. *Китобдаги изоҳлар юлдузчалар билан кўрсатилган.*

ЮЛДУЗШУНОС Юлдузлар ҳаракати ва уларнинг хусусиятларини текширувчи олим; мунажжим. *Бу фожиадан* [*Улуғбек ўлимидан*] *Улуғбекнинг энг яқин шогирди, юлдузшунос Али Қушчи ҳам кечқурун.. оғоҳ бўлди.* С. Нуров, Туман тарқалди.

ЮЛИШМОҚ 1 Юлмоқ фл. бирг. н. *Болалар ёввойи ўтларни юлишди.*

2 Бир-бири билан уришмоқ, бир-бирини юлмоқ, юмдаламоқ (аёллар ҳақида). *Икки кундош уйни холи топиб, тағин юлишманглар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу гапни ғар ҳам кўтара олмас, тикка юлишар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЮЛМОҚ 1 Силтов билан тортиб узиб ёки суғуриб олмоқ. *Сочини юлмоқ. Товуқ патларини юлмоқ. Ортиқча ғўзаларни юлиб ташламоқ.* ▬ *Ота.. семиз, бўяб қўйгандай қизил ўтни юлиб олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўз ёнида ғумай юлаётган Адолатнинг қўли қийилиб қонаганини кўрган Бегимхон хахолаб кулиб юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ука — жигар, тош отай деса, жигарчилик, отмай деса, хон турипти; ниҳоят, тўнидан увада юлиб отибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Тирнаб жароҳатламоқ, тимдаламоқ. *Бировнинг бетини юлмоқ.* ▬ *-У-у ҳаракат қилдим, тепдим, урдим, юлдим, тирнадим — бўлмади, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сочин ёйиб, бетин юлиб, йўлга кирди чаққон бўлиб.* «Муродхон».

3 *кўчма* Бирор шахс ёки халқ мулкидан ўмармоқ, юлқиб олмоқ. *Юлғич юлиб тўймайди.* Мақол. ▬ [*Бой*:] *Нонтепкилик қилма! Шу соқолим билан ёлғон гапираманми? Юлсам, сендай гадодан юламанми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Амалдорлар эса турли йўллар билан камбағал халқнинг бор-будини юлиб олар эдилар.* «ЎТА».

4 *кўчма* Ажратиб олмоқ. *Афсуски, факт ва далиллар, кўпинча, умумий контекстдан юлиб олиб таҳлил қилинади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Ҳури ўз хаёлидан ўзи чўчиб, бошини ёстиқдан юлиб олди.* Н. Фозилов, Дийдор.

5 *кўчма* Бирор нарса ҳисобидан чегириб қолмоқ; тежамоқ. *Агар сизлар мана шу йўл билан бутун бир мавсумда ўн меҳнат куни-*

ни пилладан юлиб, пахтага бергани ёрдам қилсаларинг ҳам ҳарна. А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

Гапини оғзидан юлмоқ Кимсани гапидан тўхтатмоқ. *Одамнинг гапини оғзидан юлиб олманг, киши гапини айтиб бўлгунча сабр қилинг.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЮЛУҚ Юлиб ташланган, юлиб олинган, узилган. *Пати юлуқ хўроз.*

Думи юлуқ 1) думсиз. *Думи юлуқ товуқ;* 2) *кўчма* калта дум; чўлтоқ. *-Эй, бебош бола, сочи калта, думи юлуқ бир сатангга уйланиб олибсан-у, онанг бехабар, — деди Каромат.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук; 3) тўлиқ бўлмаган, якунсиз, якунига етмаган. *..гапнинг ё боши йўқ, ё бели майиб, ё думи юлуқ бўлиб қолади.* «ЎТА».

ЮЛҚИЛАМОҚ 1 Ҳадеб юлқимоқ, такрор-такрор юлқимоқ. *Камолиддин иягини тиззасига тираб, нарироқда карракларнинг учини юлқилаб еяётган нортуяга, унинг ғамгин кўзларига тикилади.* С. Нуров, Сув қўшиғи. *[Ҳури] Телбаларча онасини юлқилай бошлади.* Н. Фозилов, Оқим.

2 *айн.* **юлмоқ 3.** *Торт-торт қилиб, тушум пуллардан юлқилаб, серхархаша жиғилдонини тинчитиб юрган Эргашев.. шофёрларнинг мушугини пишт деёлгани ҳам йўқ.* «Муштум». *Комбинатдан юлқилаган моллари туфайли гарданига тушган қарзлари бости-бости бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.* А. Муҳиддинов, Ҳадя.

ЮЛҚИМОҚ 1 Тортқилаб узиб олмоқ, силтаб тортмоқ, юлиб ташламоқ, юлмоқ. *Муаллимимиз телпагимни юлқиб олиб, деразадан отиб юборди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бир маҳал аллақандай куч мени зарб билан юлқиб ўрнимдан турғазди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 *айн.* **юлқиламоқ.** *Юнг юлқимоқ.* ▬ *Ғуломжон бир сиқим пахтани қўлида юлқиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Умар юзини енгил шабадага тутиб хаёл суради. Ел майин сочларини юлқиб ўйнайди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *айн.* **юлмоқ 3.** *Ҳар маош тарқатганда, ўқитувчилардан 5-6 сўмдан юлқиб қолиши ҳам ҳолва экан.* «Муштум». *..у сўнгги уч-тўрт йилнинг ўзидагина ҳар кимлардан минг сўмлардан кўпроқ пулни юлқиган.* «Муштум».

ЮЛҒИЧ Шахс ёки жамоат мулкини (ҳақини) ўмариш, юлишга мойил, шундай иш билан шуғулланувчи шахс. *Бундай сердабдаба тўйларни оддий меҳнат аҳллари эмас, балки айрим юлғичларгина қилишяпти.* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар. *Назорат бўш бўлган жойда юлғичларнинг пичоғи мойда, дейишади.* «Муштум».

ЮЛҒИЧЛИК Юлғичга хос иш, хатти-ҳаракат; юлиш иши, юлиш (*қ.* **юлмоқ 3**). *Юлғичлик кайфиятларига қарши кураш.* ▬ *Унинг гаплари ва ҳаракатларида юлғичлик ниятининг асорати ҳам сезилмайди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *Агар юлғичликни ташламасангиз, халқ эътиборидан қолиб, шарманда бўласиз.* «Муштум».

ЮЛҒУН Гули майда, оқиш, майда баргли бута. *Узоқ-узоқларда.. саксовул, туранғи, юлғун ва янтоқ кўзга ташланиб турардики, буларнинг ҳаммаси саҳро қуёшининг сахий нурига чўмганди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЮЛҒУНЗОР Юлғун кўп ўсадиган ер, майдон. *Арава тебраниб, ғижирлаб, катта-кичик қумтепалар, юлғунзорлар орасидан ўтиб, бепоён қўриққа чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЮМАЛАМОҚ 1 Айланиб, ғилдираб кетмоқ; думаламоқ. *Ғўла юмалаб кетди.* ▬ *Бир чойшаб анор ҳар томонга юмалаб кетди, бир нечаси обрезга тушди.* А. Қаҳҳор, Анор. *Юсуфжон ҳазил қилиб, боланинг қўлидаги барабанини тушириб юборган эди, бола ҳам баландликдан барабан билан кетма-кет юмалаб кетди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *..йиқилганда то адирнинг этагигача юмалаб кетишига кўзи етар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 *с.т.* Йиқилмоқ, қуламоқ. *Бир ўқ билан душман отдан юмалади.* ▬ *Жангчиларимиз узоқда дам юмалаб, дам туриб қочаётган фашистларни ўқ билан қулатиб.. югуришди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ниҳоят, икковимиз бараварига пастга юмалаб тушдик.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 *с.т.* Ерга қулаган, чўзилган, ағнаган ҳолда бўлмоқ. *Жангчиларнинг кўпи овқатланишни ҳам унутиб, қалин пичан устига юмалаб, ухлаб қолишди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ғуломжон ўз ерига қайтди. Гувоҳлар бири қорнини қучоқлаб, иккинчиси ерда беҳуш юмалаб ётарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Тўкилмоқ, оқмоқ (кўз ёши ҳақида). *Аёлнинг тош қотган кўзларини қайғу теш-*

ди. Юзларидан томчилар юмалади. Ойбек, Қуёш қораймас.

5 *поэт.* Оғмоқ, ботишга яқинлашмоқ (қуёш ҳақида). *Қуёш юмалаб кетди футбол тўпидай, Лолаларга кўмилди уфқ қопқаси.* Ғ. Ғулом.

Бир юмалаб Ҳийла-найранг билан тез амалга оширилган тадбир ҳақида. *Кампир бир юмалаб илонга айланди.* «Эртаклар». *..бир юмалаб яна ўша дўсти Отажоновнинг соясида ҳозирги ишлаб турган мактабига директор бўлиб тайинланди.* «Муштум».

ЮМАЛАНМОҚ *айн.* **юмаламоқ**. *Соқолли солдат от остида қолди, униси отдан учиб, юмалаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қизча ялт этиб қаради – унинг лўппи юзларидан томчилар юмаланарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қора Аҳмад ярим юмаланиб, остида қолган қўлини бўшатиб чиқарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮМАЛОҚ 1 Шар шаклига ўхшаш, шунга яқин шаклли; думалоқ. *Юмалоқ ёнғоқ. Юмалоқ қанд. Юмалоқ тарвуз.* ▬ *Ундан* [*эшикдан*] *ёш боланинг, сочлари типратикан игналаридай юмалоқ боши кўринди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Юмалоқланган нарса; думалоқ нарса; шар. *Қор юмалоғи.* ▬ [*Болалар*] *Қордан кичкина юмалоқ ясаб, думалатиб-думалатиб, ўз бўйларидан баланд, катта курра ясаганлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Доира, тўгарак шаклидаги. *Юмалоқ стол. Юмалоқ майдон.* ▬ *Ойсулув.. шошиб бориб, токчадан юмалоқ ойнани олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Жуда семиз, бақалоқ, гирдиғум (одам ҳақида). *Йўлчи ўзидан бир неча қадам нарида хўмрайиб, ҳаммага разм солган шоп мўйлов, юмалоқ сариқ полиция бошлиғини кўриб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Паст бўйли, япалоқ юзли, ғўладек юмалоқ Бозоровнинг лапанглаб югуриши Норматнинг кўзига узоқдан гўё тўнгак думалагандек бўлиб кўринди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Ўлчов билдирувчи (нумератив) сўз вазифасида; дона, пачка. *Бир юмалоқ печенье. Уч юмалоқ чой.* ▬ *Бўлмаса, бир юмалоқ қанд билан бир пиёла чой олиб чиқинг.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳаёт ерга қараб ўтирган эди, секин юзини кўтарди, кўзларидан икки юмалоқ гавҳар қулади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Юмалоқ хат *с.т. айн.* **имзосиз хат** *қ.* **имзосиз**. *Юмалоқ хат ёзишни касб этган туҳматчи иғвогарларнинг касби кармонкесар киссавурлардан ҳам тубандир.* Р. Усмонов, Одобнома.

ЮМАЛОҚ-ЁСТИҚ: юмалоқ-ёстиқ қилмоқ Тезда ва чалакам-чатти бажармоқ. *Мана шу йўсинда Паркент қишлоғида уч кунда ўттиз пора қурънони юмалоқ-ёстиқ қилиб туширдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *-Кўриб турибсан-ку, сен билан тезроқ дийдор кўришай деб, командировкани чала-чулпа, юмалоқ-ёстиқ қилиб қайтиб келдим, – деди Темир Роҳатга.* Б. Раҳмонов, Ўзи бошқа-ю, сўзи бошқа. *Бу мактабда ҳам иккита латифа айтиб, дарсни юмалоқ-ёстиқ қилади-ю, интернатга чопади.* «Муштум».

ЮМАЛОҚЛАМОҚ Юмалоқ қилмоқ, юмалоқ ҳолга олмоқ. *Дастурхонни юмалоқламоқ.* ▬ [*Салима*] *Қордан бир чангал олиб, шоша-пиша юмалоқлади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Хотин паранжи-чимматини юмалоқлаб, дераза олдида турган стол устига қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЮМАЛОҚЛИК Юмалоқ ҳолатга эгалик. *Ернинг юмалоқлиги. Соққанинг юмалоқлиги.*

ЮМАЛОҚ-ЯССИ *айн.* **юмалоқ-ёстиқ**. *Мен юкларимни шошиб-пишиб, юмалоқ-ясси ўраб, ҳамсафарларим, руслар билан қўл бериб хайрлашдим-да, вагондан тушдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЮМДАЛАМОҚ Чанг солиб тирнамоқ, тимдалаб юлмоқ. *Ширмонхон чорпоядан сакраб тушиб, Адолатни юмдалай кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Баъзилар ҳамон юзларини юмдалаб дод солаётган аёлга тасалли беришарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ЮММА: **юмма таламоқ** Ғазаб билан ташланиб, ёпишиб жанжал қилмоқ. *Комила ҳар куни гузарга чиқиб, кўпчиликнинг ўртасида, «Ёш умримни хазон қилдинг!» деб уни юмма талар, гапга нўноқ Қўзибойнинг дилини сиёҳ қилишини қўймас эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *-Анави Тожихон бор-ку, – дея кўпириб гапира бошлади Иқбол сатанг, – тақачининг қўшниси-чи, бирам юмма талаб берса бўладими.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЮММА-ЮММА: **юмма-юмма йиғламоқ** *айн.* **юм-юм йиғламоқ** *қ.* **юм-юм.**

ЮММОҚ Кўзни, оғизни ва ш.к. ни қисиб, сиқиб беркитмоқ. *Ашула бошланганда, домлалар кўзларини юмиб, чайқала бошладилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Исмат соқов оғзини юмганича «хувв» деб кулди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Кўз очиб юмгунча Бир лаҳзада, бир зумда. *«Исфандиёр хон бўлибди!» деган сўзлар кўз очиб юмгунча шаҳарга тарқалди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кўз юммаслик** Ухламаслик. *-Даҳшат! — деди меҳмон, — туни билан кўзимни юммай чиқдим.* «Муштум». **Кўз юммоқ** 1) билиб туриб, ўзини билмасликка солмоқ; яширмоқ. *Янги ер очиш тўғрисида муттасил кекирдак чўзадиган ўртоқлар ҳақиқатдан кўз юммоқдалар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) *кўчма* оламдан ўтмоқ, қазо қилмоқ, ўлмоқ. *Кошки эди сўнг қўлингда, Эркаланиб берсам жон. Сўнгги нигоҳ сенда қолса, Мен кўз юмсам беармон.* Зулфия. **Оғзингни юм** Оғзингни очма, гапирма, жим бўл. *Оғзингни юм, бўлмаса, кекирдагингни узиб оламан.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ЮМОР [*ингл.* humour — хулқ, феълатвор, кайфият < *лот.* humor — намлик, ҳўллик] **1** Камчиликлар, айрим воқеа ва ҳодисаларни кулгили қилиб, ҳазиломуз тасвирлай билиш, уларни беғараз ҳажв қилиш. *Бутун ҳаракатлари юморга бой бўлган Наби Раҳимов яратган ҳар бир образ фавқулодда ҳаётийлиги.. билан қалбларни мафтун этади.* Х. Тўхтабоев, Саҳнамиз юлдузи.

2 Шу йўсинда ёзилган адабий асар. *Сатира ва юмор. Муқимий юморлари.*

ЮМОРИСТ [*ингл.* humorist — юморчи] Юмористик асарлар ёзувчи адиб.

ЮМОРИСТИК Юморга асосланган; кулгили. *Юмористик ҳикоя.* ▬ *Масалда сатирик ва юмористик элементлар муҳим ўрин тутади.* «ЎТА».

ЮМРОН *айн.* **юмронқозиқ**. *Бир юмрон ҳадеб ғўза уватидаги ковакдан тупроқ чиқариб ташлаяпти.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ЮМРОНҚОЗИҚ Ер остидаги инларда яшаб, экинларга зарар келтирувчи, тийинлар оиласига мансуб кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Онда-сонда чўл сичқонлари, юмронқозиқлар ўрмалаб, йўлни кесиб ўтиб қолади.* М. Мансуров, Ёмби.

ЮМУРТҚА *шв.* Тухум.

ЮМУШ (*кўпроқ оддий сўзлашувга хос*) **1** Иш, хизмат; меҳнат. *Оғир юмуш. Рўзғор юмушлари.* ▬ *Қайната билан қайнананинг уйдаги юмушлари ҳар куни эрталабдан кечгача келинга ибратли ва инсофли хотин қандай бўлиши тўғрисида насиҳат қилиш эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Елкага баҳор офтоби тегиб, деҳқоннинг юмуши кўпайиб қолган.* С. Маҳкамов, Катта рулда.

2 Вазифа, топшириқ. *Паст баҳо асло олма, Пок юзингга доғ солма. Уйингга берса юмуш, Лозимдир ёзиб қўйиш.* Қ. Муҳаммадий. *Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз иши, юмуши билан машғул.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Отабек меҳмонларни танчага ўтқазиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради: -Баъзи юмушлар буюрсам.. [Ҳасанали:] Буюрингиз, ўғлим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮМУШКОР *кам қўлл.* Меҳнаткаш; ишчан. *Юмушкор йигит.* ▬ *Қаюм Йўлдошев.. ювош, юмшоқ сўзлигидан юмушкор, тўғри одамдек кўринган эди.* «Муштум».

ЮМУШЛИ Иш, юмуш билан машғул, иш билан банд, ишли. *Юмушли одам.*

ЮМУШСИЗ Ишсиз, иш қилмайдиган. *Юмушсиз одам. Бир кун ҳам юмушсиз туролмайман.*

ЮМУШЧИ *с.т.* Бирор иш билан шуғулланувчи, бирор вазифани бажарувчи; ишчи, хизматчи. *Ҳар ёқда питирлаб юрган юзларча юмушчилар, навкарлар уни жилла кўзга ташлатмас эди.* Ойбек, Навоий.

ЮМУҚ Очиқ эмас, юмилган (кўз, оғиз ҳақида); қисиқ. *Кўзи юмуқ киши.* ▬ *-Не гап ўзи, жаноб? — сўради яна бир чўққи соқол, чўтир, бир кўзи юмуқ дўкондор, якка кўзини чақчайтиришга тиришиб.* Ойбек, Нур қидириб. *Қўрбошининг чап кўзи юмуқ, лекин ўнг кўзида аллақандай ёмон ўт ёниб турарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЮМШАЛМОҚ *кам қўлл. айн.* **юмшамоқ**. *..кескинлик юмшалиш ўрнига кучайиб кетмасмикин, деб қўрқаман.* Газетадан.

ЮМШАМОҚ 1 Юмшоқ ҳолга келмоқ, майинлашмоқ. *Мум юмшади. Азот билан ўғитланган ер юмшайди.* ▬ *У* [*Йўлчи*] *бу ерга олдин сув бериб, ер юмшагандан сўнг ковлаш кераклигини англаса ҳам, вақтни йўқотмаслик.. учун метин жойни ковлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Асфальт йўллар бўлса мумдек юмшаган..* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Ҳовридан, ғазабдан тушмоқ; андиша, шафқат йўлига ўтмоқ; эримоқ. *Аразлаб турган Зиёдахон Шербекнинг гапига юмшаб: -Болаликдаги шўхлигингиз ҳалиям қолмабди, — деди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Аммо ясовул бир қизнинг ялиниб-ёлворишидан юмшайдиган кишилардан эмас.* С. Айний, Дохунда. *Кампир неварасининг порлаб турган кўзларига тикилиб, бир оз юмшади.* Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинглар.

3 *кўчма* Пасаймоқ, сусаймоқ, бўшашмоқ (совуқ, вазият ва ш.к. ҳақида). *Кескинлик анча юмшади.* ▬ *Совуқ бир оз юмшаб тушган, қуёш очиқ ҳаводa ҳаракат этмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Февралнинг ўрталарида ҳаво юмшаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёпиғи тешила бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сўзингиз тўғри, иним.. қумда ҳаво қизиқ бўлишига қарамай, нафас олиш қулай. Асаблар ҳам юмшаб, киши кайфияти кўтарилади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЮМШАРМОҚ *айн.* **юмшамоқ**. *У* [*Жонфиғон*] *ўпкасини тутолмай, йиғлаб юборди, Малоҳат уни ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган бўлса керак, юмшарди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

ЮМШАТИШ 1 Юмшатмоқ фл. ҳар. н. *Терини юмшатиш.* ▬ *Алиқул харидорларнинг бирига новвот солинган чой, бирига чилим таклиф этиб, кўнглини юмшатишга жуда моҳир эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Чол, чармни кўва билан асабий равишда дўқиллатиб уриб, савдогарни яна юмшатишга тиришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *қ.х.* Ерни юза ҳайдаш, чопиқ қилиш. *Ерни ҳайдаш олдидан юмшатиш. Ғўза туплари остини юмшатиш.*

Юмшатиш белгиси *тлш.* «ь» ҳарфининг номи.

ЮМШАТМОҚ 1 Юмшамоқ фл. орт. н. *Терини юмшатмоқ.* ▬ *Баҳор нафаси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйган.* П. Қодиров, Уч илдиз. [*Ғофир:*] *Ахир, бу кўзлардан оққан жигар қонлари, бева-бечора, етим-есирларнинг оҳу зорлари кўнглингизни юмшатмайдими?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 *қ.х.* Чопиш, ҳайдаш йўли билан тупроқни юмшоқ, ғовак ҳолга келтирмоқ. *Ўзимга ажратилган ерни ҳам юмшатиб, ҳам экиб олдим.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Ишладинг, юмшатдинг ёмби тупроқни, Ўзини кўрсатди шу асл пардоз.* Ғайратий.

ЮМШОҚ 1 Қўл тегса ботадиган, осон эзиладиган; мулойим, майин. *Юмшоқ ёстиқ. Юмшоқ пат. Юмшоқ хамир.* ▬ *Уй тўрида, юмшоқ кўрпа устида қарғашойи кўйлакли бир хотин.. ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У беихтиёр тўшакдай юмшоқ майсазорга ўтириб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қор сувига тўйган ер хамирдек юмшоқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Нормат Адолатнинг юмшоқ қўли, нозик бармоқларини кафти билан силади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Осонликча турли шаклга кирадиган, ишлов берилиши осон, бўш. *Юмшоқ ёғоч. Юмшоқ металл. Юмшоқ сим.*

3 Чайналиши, ейилиши осон; майин, мулойим (овқат ҳақида). *Юмшоқ шавла.* ▬ *Мана, йигитча, юмшоқ нон ҳам олиб чиқдим.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шу йигит менга уч ҳафта қаради, бир бурда нон топса, юмшоқ жойини менга бериб боқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *кўчма* Бировга қаттиқ гапирмайдиган, дағаллик қилмайдиган; мулойим. *Мунаввар «ўта интеллигент», юмшоқ бир одамга дағаллик қилиб, озор берганига ўксинди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Кампир кўпни кўрган, аччиқ-чучукни татиган, юмшоққина хотин эди.* С. Аҳмад, Ота. *Табиатан юмшоқ, кўнгилчан одам, ёлғиз фарзандини уришишга тили бормасди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

Кўнгли юмшоқ *ёки* **юмшоқ кўнгил** Бировнинг гапига тез ишонадиган, тез кўнадиган; кўнгилчан, раҳмдил. *Очил қанчалик тез ва кўнгли юмшоқ бўлса, Маҳкам шунчалик вазмин эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

5 Ёқимли таъсирга эга; мулойим. *Авжи қиш вақти бўлса ҳам, ерда сира қор йўқ, ҳаво худди баҳордай юмшоқ эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳозир унинг ҳорғин юзидаги юмшоқ жилмайиш бирдан сўнди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *-Бирор соат ҳам ухлаганим йўқ, — деди-да, «сабабини ўзим ҳам билмайман», дегандек юмшоқ кулиб қўйди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

6 Озор етказмайдиган; енгил. *Юмшоқ жазо.* ▬ *Қутурмай ҳам нима қилсин, чайқовчиликда айбланганларнинг устидан судлар шу қадар юмшоқ ҳукм чиқарадики, билмайсан киши: жазо бердими, насиҳат қилдими?* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

Юмшоқ супурги *қ.* **супурги**.

ЮМШОҚЛАНМОҚ *с.т.* Юмшамоқ.

ЮМШОҚЛИК Бўш, юмшоқ ҳолатга эгалик; мулойимлик. *-Аяжон, — деди Адолат юмшоқлик билан, — клубдан сира қўрқманг.. У ерда эркак киши бўлмайди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Кларкнинг юзида ғайрирасмий вақтларда камдан-кам кўринадиган юмшоқлик бор эди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЮМ-ЮМ: юм-юм ёш Мўл-мўл, дувуллаб тўкилган ёш. *Тўтихон мунғайиб ўтирар, оқшомлари ҳам кўзларига уйқу ўрнига юм-юм ёш келарди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар. *Гавҳарнинг кўзидан юм-юм ёш оқар.. йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тутарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Юм-юм йиғламоқ** Мўл-мўл ёш тўкиб йиғламоқ. *Меҳриниса Ботирни бағрига босиб, юм-юм йиғлайверди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Дадам келиб, ўзини каравотга отди, мени қучоқлаганича, юм-юм йиғлади.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ЮНГ *с.т.* Жун. *Туя юнги. Юнг савамоқ. Юнг рўмол.* ▬ *Юнглари қирқилиб, енгил бўлган қўй-қўзилар дикир-дикир сакрашади.* О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши. *Айиқдай бесўнақай, юнглари ҳурпайган оқ ит конверт тишлаб келди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЮНГЛИ Юнги бор, юнги ўсган. *Раъно томорқада думбаси селкиллаган, жингалак юнгли қўзичасига майса юлиб бераётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чироқлар.

ЮНДИ *с.т.* Ювинди. *Заҳар солмоқ бўлса тотли ошингга, Мажақла, ҳаттоки бермагил юнди.* Ғайратий.

ЮНДИХЎР *с.т.* Ювиндихўр. *Муштумзўрнинг юндихўри домла, имом.* Ғ. Ғулом.

ЮНКЕР [*нем.* Junker — йирик ер эгаси] **1** Феодал Пруссияда йирик ер эгаси, дворян; умуман, немис помешчиги.

2 Чор Россиясида офицерлар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртининг ўқувчиси. *Юнкерлар мактаби.*

3 19-асрнинг 60-йилларигача Россияда маълум муддат ҳарбий хизмат қилиб, имтиҳон топширгандан кейин офицер унвонини олиш ҳуқуқига эга бўлган дворян боласи.

ЮНОН *айн.* **грек.** *Қадимги юнон файласуфлари*

ЮПАНМОҚ 1 Йиғлашдан тўхтамоқ; овунмоқ (гўдак ҳақида). *Болалик экан, янги кийим дарагини эшитиб, юпаниб қолдим.* И. Раҳим, Оловкор. *Бир ярим яшар чамасидаги бола гоҳ йиғлар, гоҳ юпаниб, онани эмарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Таскин топмоқ; овунмоқ. *Холмурод бу одамлар орасида бир оз юпанди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уйланмай ёши ўтиб кетаётган ўғлининг гоҳи қизлар ҳақидаги гаплари Шарофат холага ҳамма вақт сирли бир қувонч бағишлар эди. Ҳозир ҳам шу фикр билан юпаниб.. ўз ишлари билан овора бўлди.* А. Мухтор, Чинор.

ЮПАНЧ 1 Юпантирувчи, овунтирувчи сезги, ҳис-туйғу; тасалли, таскин. *Бу товушлар, бу портлашлар унинг асабини негадир бузмади. Қайтага қандайдир ҳаловат, юпанч бераётганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Қозоқ халқи ўз мунг-зорини, қувончи билан юпанчини, орзу ва муддаосини ўлан билан ифодалаб келди.* Газетадан.

2 Юпантирувчи нарса, шахс; овунчоқ. *Кундузи шу дарахт, кечаси парёстиқ унинг юпанчи.* С. Нуров, Ёстиқ. *Кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар наъмасидан, сувлар шилдирашидан кўнгли аллақандай юпанч изларди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У* [*Моҳидил*] *онасини ниҳоятда севар, бир зумгина ажрашни истамас, юпанчи ҳам, қувончи ҳам — шу она.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЮПАНЧИҚ *айн.* **юпанч 2.** *Бола — унинг бирдан-бир юпанчиғи.* ▬ *Қани, дунё тор кўринганда, кўнглимни кўтарувчи юпанчиқларим?* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *-Ёлғиз ўғлимнинг жуфти, ўғлим йўғида юпанчиғим бўлар, деб ўйловдим, — деди Нуқра опоқи Солия опага.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ЮПАНЧЛИ Кишини юпатадиган, овутадиган; таскин ва осойишталик бағишлайдиган. *Сўйламади юпанчли сўзлар, Одатдаги дўстлар сингари; Аммо енгил тортиб нафасим, Назаримда, ғам кетди нари.* Зулфия.

ЮПАТГУЛИК Таскин бера оладиган; юпатадиган, овунтирадиган. *Онаси ҳам боласининг, бахти қора жигаргўшасининг кўзларида шу зору муштоқлик оловини кўрар, лекин уни юпатгулик.. сўз тополмаганидан дилхун бўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮПАТМОҚ 1 Йиғлашдан тўхтатмоқ; овутмоқ. *Болани юпатмоқ.* ▬ *«Муз тоғ»лардан чиқарди Бир алла сози — Ёш гўдакни юпатган Она овози.* Ҳ. Олимжон.

2 Қайғу-аламини енгиллатишга уринмоқ, таскин бермоқ. *Қудратни юпатиш учун деди: -Жон болам, бекорга диққат бўлавермa! Мана, кўпи кетиб, ози қолибди-ку..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мени ғалаба ва халқимизнинг бахти юпатади.* Уйғун. *Хуршид аясини юпатиб, кўнглини овлашга ҳарчанд уринса ҳам, оловдек ёниб турган она тафтидан тушмади.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЮПАТҚИЧ *айн.* **юпанч.** *Исмоил аканинг қўлида унинг кўнгил юпатқичи, бирдан-бир суянчиғи.. найи бор эди.* Туйғун, Найчининг қалби.

ЮПИТЕР I [*лот.* Jupiter — қадимги Рим мифологиясида: олий маъбуд, бош худо] (Ю — *катта*) *астр.* Қуёш системасидаги энг катта, Қуёшдан узоқлиги бўйича бешинчи сайёра; Муштарий.

ЮПИТЕР II Кинога олиш маҳалида ишлатиладиган жуда кучли электр ёритувчи асбобларнинг умумий номи.

ЮПУН 1 Танани яхши иситмайдиган, юпқа, енгил-елпи (кийим ҳақида). *Юпун чопон.* ▬ *Қиш совуқ ва лойгарчилик келди. Менинг устим юпун, кавушимнинг бир жағи йиртилган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [*Камолнинг*] *Соқол-мўйлови ўсган, кийим-боши юпунгина.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Йўқчиликдан бўлса керак, ҳар қалай, Дўст ёшлигида юпун кийинарди..* М. Жўра, Изтироб.

2 Уст-боши хароб, камбағал; қашшоқ. *Кир, юпун одамлар ҳансираб, каловланиб, букилиб боришарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Меҳнат аҳли юпун, яланғоч, Чапатига бўлдилар муҳтож.* Ғайратий.

3 *кўчма* Қийинчиликда қолган; ночор, хароб. *Болалик, ғариб ва юпун кунлардан бери дўст бўлган Охунбобоевнинг ишончига лойиқ иш қилолдимми, кексайганимда беобрў, шарманда бўлиб қоламанми?!* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Хароб, юпун, таланган қишлоқнинг изтироббахш манзараси гўё Полвоннинг кўксига ўз дардини қўярди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЮПҚА 1 Қалин эмас, кўндалангига ингичка; нозик. *Юпқа газлама. Юпқа тери. Юпқа қоғоз. Юпқа тунука. Юпқа шиша.* ▬ *У бир лаҳзада косани тушириб, юпқа пўстлоқ ичидан шираси томиб кетгудек бўлиб турган шафтолига қўл урди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тўламат мўйлов юпқа лас чопон устидан қават-қават боғланган қийиқчаларга қўлини тиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Зич ёки қалин эмас, сийрак (туман, тутун, булут ва ш.к. ҳақида). *Дарё устини юпқа туман қоплаган.* ▬ *Қор-ёмғирда бўкиб ётган ерлардан юпқагина буғ кўтарилди.* Ойдин, Ширинга мактуб. *Уфқдан кўтарилган қуёш чанг ва тутун орасидан юпқа булут босган тўлин ойдай кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *от* Хамирни чалпакка ўхшатиб ёйиб, устига ёғда қовурилган қийма, сабзи солиб, қозонда пишириладиган таом; чўзма. *Юпқа пиширмоқ.* ▬ *Ўқишда толиқиб қолмасин, деб доим сомсами, уч-тўртта юпқами пишириб қўяман.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан.

4 *кўчма* Фақирона; бой бўлмаган, оз миқдорда. *Мутриб дорифуруш отасидан қолган юпқагина мерос билан аранг тирикчилик ўтказарди.* С. Сиёев, Аваз.

Сояси юпқа *қ.* **соя. Териси юпқа** *қ.* **тери. Юпқа томоқ** Нозик ва чиройли бўйинли қиз ёки жувон ҳақида.

ЮПҚАЛАНМОҚ *айн.* **юпқалашмоқ.**

ЮПҚАЛАШМОҚ Юпқа бўлиб қолмоқ; юпқа тортмоқ. [*Унсиннинг*] *Бошида эски, тўзиган қизил шол рўмол, эгнида пахтаси юпқа солинган ёки ювила-ювила юпқалашган калтагина қора лас камзул, этаклари ғижимланган, ранги айниган чит кўйлак.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮПҚАРМОҚ *кам қўлл. айн.* **юпқалашмоқ.**

ЮРАК 1 *анат.* Одам ва ҳайвонлар кўкрак қафаси ичида жойлашган, уларнинг қон айланиш системасидаги мускул қопчиққа ўхшаш марказий аъзо. *Соғлом юрак. Юракнинг уриши. Юрак касаллиги. Юрак клапани.* ▬ *Юрак бир-бири билан тутушмайдиган икки қисмдан иборат бўлиб, бу қисмлар бир-биридан яхлит тўсиқ билан ажралган.* «Анатомия». *Юрак — зарур нарса. Юрак бақувват бўлса, иш ҳам унумли бўлади, киши чарчамайди.* Уйғун, Сўнгги пушаймон. [*Кумушнинг*] *Ҳарорати кучли, юрак уриши фавқулодда тез эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Кишининг ҳис-сезгиси, руҳи, кечинмаларининг рамзий маркази, улар сақланадиган жой; қалб, дил. *Пахтазорда бўлиб ўтган жанжал Ойқиз юрагида чуқур из қолдирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қисман у* [*Зебо*] *ҳақли эди. Зотан асрлар фожиаси ва қувончи бўлган муҳаббат жуда қадимий нарса бўлса ҳам, ҳар бир юракда мисли кўрилмаган ўзига хослик билан барқ уради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Хатолари, нуқсонлари кўп бўлса ҳам, юраги асл кўринади.* Уйғун, Навбаҳор. *Аҳмад ўртадаги адоватни унутиб, юрагини очди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Юрагидагини дангал тўкиб солаётган қизнинг ҳаққоний сўзлари Шерзод Қамбаровичга оғир ботарди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

3 Қўрқмаслик, жасорат ва ш.к. рамзи. *Оббо сиз-е, ҳали шу юрак билан юрибсизми..* «Муштум». *Мен унинг Ўтапбой қушбегига қилган муомаласини эшитиб, юрагингга балли, деган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Юраги ачимоқ (*ёки* **ачишмоқ**) Ачинмоқ, куйинмоқ. *Отабекни бу аҳволда кўриб, Кумушнинг юраги ачиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..ўсиши мужмал, аллақандай касалсимон ғўзаларни кўрар, юраги ачишар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Юраги бетламаслик** Журъат қилмаслик, ботина олмаслик. *Шундан-шунга чопиб келиб, мактаб директорига учрагани юрагим бетламади.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. **Юраги ёрилмоқ** 1) ниҳоятда қўрқмоқ. *Унинг ваҳимасидан юрагим ёрилай деди;* 2) жуда диққат бўлмоқ. *..баъзи вақт, Йўлчивой, юрагим тарс ёрилгудай бўлади, дунё кўзимга қоронғи кўринади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Юраги жиз этмоқ** Қалбида кескин ҳолда ёқимли ҳис-туйғу қўзғалмоқ, шундай ҳисни туймоқ. *Эрталаб бу сўзлар ғашини келтирган эди, ҳозир ҳам юрагини жиз эттиролмади.* О. Ёқубов, Излайман. **Юраги жиғ этмоқ** 1) *айн.* **юраги жиз этмоқ.** *Шунда кўзлар кўзга тўқнашди, Ғуломжоннинг юраги жиғ этиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) *айн.* **юраги шув этмоқ.** *..ҳар куни саломга кирадиган бўлиб қолди. Ҳар кирганда, «сўйиб келмадимикан», деб юрагим жиғ этиб кетади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Юраги зир этмоқ** Қўрқув, безовталик ҳиссини туймоқ. *Тантибойвачанинг юраги зир этиб кетди. Асабийланиб, ўзгарган товуш билан бобиллади..* Ойбек, Танланган асарлар. **Юраги йўқ** Қўрқоқ, юраксиз. **Юраги кенг** *қ.* **кенг.** *Юрагингиз мунча ҳам кенг бўлмаса, кўзингизга уйқу келмаганига ҳайронман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Юраги куймоқ** 1) жуда ташна бўлмоқ. *Иссиқда узоқ йўл босиб, юрагим куйди;* 2) қаттиқ куйинмоқ. *Юраклари куйиб кетиб Темурхон, Во болам, деб майиб нордай йиғлайди.* «Ҳасанхон». **Юраги орзиқмоқ** *қ.* **орзиқмоқ. Юраги орқасига тортмоқ** Қаттиқ чўчишдан қўрқув ҳолатига тушмоқ. *Сарой мулозимини кўргач, унинг юраги орқасига тортиб, эти сесканиб кетган эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Юраги пўкилламоқ** Қўрқувда бўлмоқ; чўчимоқ. *Ҳар йили жийда гули вақтида, «Сой тошиб, йўл бекиладиган бўлди», деб юракларимиз пўкиллаб туради.* «Муштум». *Юраги яна пўкиллади. «Тошкентнинг тўрт даҳаси» танийдиган давлатманд бу кишининг олдига қандай киради?* Ойбек, Танланган асарлар. **Юраги сиқилмоқ** Диққат бўлмоқ, диққати ошмоқ. *..орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Бухорода юраги сиқилиб, «ёлғизлик» азобини торта бошлади.* Мирмуҳсин. Меъмор. **Юраги така-пука бўлмоқ** Ваҳима, қўрқув, хавотир ҳолатида бўлмоқ; безовталанмоқ. *Шу капаларга яқинлашган сайин Сидиқжоннинг юраги така-пука бўла бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Юраги типирчиламоқ** Тезлашиш ҳаракатида, иштиёқида бўлмоқ. *Азиза юраги типирчилаб кийинди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Юраги тор** Арзимас нарсага сиқилаверадиган, тажанглиги тутадиган. *Анзират хола ҳам юраги торгина бир кампир, бўлар-бўлмасга хархаша қиладиган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Юраги тошмоқ** Ғам, ҳасрат, ҳаяжон ва ш.к. ичига сиғмай кетган ҳолат. *Баъзан юраги тошиб, бутун дардини Унсинга очишни истайди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Юраги тутдай тўкилмоқ** Интизорликда изтироб чекмоқ, дили бесаранжом бўлмоқ. *Худди биров: «Э, ўл-а, шунақа-да, чиройли йигитни кўрсанг, юрагинг тутдай тўкилади» — деб таъна қилаётгандай қизарди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Юраги увушмоқ** Маъюс, эзгин ҳолатни туймоқ. *Мана шуни ўйласам, аллақандай бўлиб кетаман, юрагим увушади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Юраги чиқмоқ** 1) ниҳоятда қўрқмоқ; эси чиқмоқ. -*От опқочди, — деди*

Бадиа. -Юрагимиз чиқиб кетди-ку! Мирмуҳсин, Меъмор; 2) ниҳоятда тўлқинланмоқ. *Бу хабарни эшитиб, хурсандликдан юраги чиқиб кетди.* **Юраги чопмоқ** Ишонч билан ботинмоқ. *Аммо адреси тайинсиз бу келинга ҳам юрак чопмай турибди.* «Муштум». **Юраги шув этмоқ** (*ёки* **шиғ этмоқ, шувулламоқ, шиғилламоқ**) Чўчиш, қўрқув ҳис этмоқ. *Баширжоннинг юраги шув этиб, кайфи учди.* Н. Аминов, Суварак. *Бир одамнинг тўнкарилиб ётганини кўрди. Юраги шиғ этиб, орқасига тортиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Саодатхоннинг юраги шувуллаб кетди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Биров Қумриниса, деса кампирнинг юраги шиғиллаб кетади.* Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. **Юраги ўйнамоқ** 1) юраги тез ва кучли урмоқ. *Отини қутидорнинг йўлагига етаклар экан, негадир юраги ўйнаб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *кўчма* ваҳима босмоқ, қўрқмоқ, ҳовлиқмоқ. *Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди: Борди-ю шу бўлса-чи.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ваҳима қилаверманглар, юрагим ўйнаб кетяпти..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Юраги қинидан чиқмоқ** Ниҳоятда ҳаяжонли, талвасали ҳолатга тушмоқ. *..Марғилон дарвозасидан кириши билан унинг ҳоли ўзгара бошлар, юраги қинидан чиқар даражада.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юраги қон** Жуда диққат, хуноб ҳолатли. *Эртадан бери тўппи, қийиқча, жияк тика бериб, юраги қон бўлган қизлар..* Ойдин, Ҳикоялар. **Юрагига сиғмаслик** Маъқул келмаслик, ёқмаслик. *Юрагимга сиғмайди, сиғмайди юрагимга ҳеч нарса!* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Юрагига қўл солмоқ** Синаш, билиш мақсадида бир гапсўз айтмоқ. *Бир куни у шу артелдаги Масъуда деган қизнинг юрагига қўл солиб кўрди.* «Муштум». **Юрагида кири йўқ** Бировга ёмонликни раво кўрмайдиган, дили пок, дали-ғули. **Юрагини бўшатмоқ** Бор дардини тўкиб солмоқ. *Ўрмонжон кўп ҳам тўлибтошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Юрагини ёрмоқ** 1) бировни қаттиқ қўрқитмоқ, чўчитмоқ. *Чернецов жангчилар олдидан узоқлашгач, Эмин Норматга: -Нега юрагимни ёрган эдингиз, комиссар индамади-ку, — деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) *айн.* **юрагини очмоқ. Юрагини очмоқ** Дилидагини маълум қилмоқ, айтмоқ. *Албатта, у ўз юрагини ҳеч кимга оча олмаган. Дардини ўз ичига ютган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Асқар полвон ҳам юрагини очди — ёлғизгина қизчасини соғинганини.. сўзлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. **Юрагини тирнамоқ** Безовта ҳолатга солмоқ. *Ўзини қаёққа қўйишини билмай, юрагини тирнаган кечинмалари.. билан ҳовлида кезди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Юрагини чангалламоқ** Бирор нарса ҳақида ўта ташвишланмоқ, қўрқмоқ. *Ҳаёт қозонни ювди-ю, қопқоғини ёпиб, кириб кетди. Энди бўш саҳну, унинг этагида юрагини чангаллаб ўтирган Ғуломжонгина қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Юрагини эзмоқ** Руҳий азоб бермоқ. *Кумушнинг бу ҳоли бечора онанинг юрагини эзар, юз хил васвасаларга солар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юрагини ҳовучлаб** Қўрқа-писа, безиллаган ҳолатда. *Доим ойим бечора юракларини ҳовучлаб ўтирардилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Юрак олдирмоқ** Қўрқиб, чўчиб қолмоқ. *Бир дўққа шунчалик юрак олдирибсиз, яшанг-е, раис ака!* С. Анорбоев, Оқсой. **Юрак тепиши** Юрак фаолиятининг тезлашиш ёки заифлашиш ҳолати. *Жаннат опа эшикни очиб, уйга кирганда, у оҳистагина замбил остидан чиқди, унинг юрак тепиши ҳали ҳам шиддатли эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юрак ютиб** Тап тортмай, қўрқмай. *Наҳот сиз.. бу ишга бош қўшиб, юрак ютиб, менинг остонамга келсангиз?* К. Яшин, Ҳамза. **Юрак ўйноғи** Юракнинг безовта бўлиши. *Бир куни уйда ётиб, яхши уйқуси келмай, юрак ўйноғиси қўзиб чиққан экан.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Эъзозхоннинг юрак ўйноғи ҳадеганда босила бермади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 *кўчма* Бирор нарсанинг асоси, маркази. *Ахир Пекин шаҳри янги халқ Хитойининг.. қудратли ва улкан мамлакатнинг юраги-ку.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда. *Ҳа, улар Тошкент темир йўл устахонаси Туркистонда қўзғолоннинг юраги эканини тушунадилар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

5 *с.т.* Қорин, ошқозон. *Унинг юраги ғижимлаб оғрияпти.*

Юрак буруқ *айн.* **юракбуруғ**. *Соғлиқни сақлаш бўлимидан чўпонлар ўртасида юрак буруққа қарши профилактика ўтказиш тўғрисида кўрсатма бор.* С. Анорбоев, Оқсой. **Юрак оғриғи** *с.т.* 1) ич бузилиши, қорин оғриғи; 2) *кўчма* қатъиятсиз, мужмал.

ЮРАКБУРУҒ *с.т. айн.* **ичбуруғ.** *-Қиморбоз билан олти йил умр қилдим. Уч бола кўрдик, лекин биттаси ҳам турмади. Бирини қизамиқ, бирини кўкйўтал, кичигини юракбуруғ олиб кетди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮРАКДОШ *поэт.* Фикр-ёди, ўйи, мақсади бир хил бўлган; ҳамнафас, дўст. *Замондош дўстларим чиндан юракдош, Ҳамиша ҳамнафас, ўртоғу йўлдош.* С. Абдулла.

ЮРАКЗАДА Юрагини олдирган, чўчиб қолган. *Балки улар — бу томондаги қушлар ҳали юракзада бўлишмаган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Колхозчилар сўнгги йилларда нобоп раисларни кўраверииб, юракзада бўлиб қолган эдилар.* Й. Шамшаров, Юксалиш.

ЮРАКЛИ 1 Юрагида ўти бор; қўрқмас, жасур. *Юракли йигит.* ▬ *Зебихон опангиз сизни жуда мақтади. Юракли қиз экан, деди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Амирбек.. эсли, ҳимматли, юракли эди..* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Ўзи боғланиб келган сўз билдирган (шундай белгили) юракка эгаликни билдиради. *Йўлчи шу топда бу гўзал, тоза юракли, жасур, вафодор қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммо арслон юракли Отабек ҳам бадбахтни шундоғ янчиб ташладики, бу жуда оз кишилар қўлидан келадиган ишдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮРАКСИЗ Бирор нарсага ботинолмайдиган; қўрқоқ. *Юраксиз бола.* ▬ *-Жудаям юраксиз одамсиз-да, Юсуфбек, — деди муфти.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Ёнбошлаб ётганлар туриб, ўнгланиб ўтирдилар, баъзи юраксизлар орқа-ўнгларига қараб ҳам олдилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЮРАКСИЗЛИК Юраги дов бермаслик, қўрқоқлик. *Эҳтиёткорлик юраксизлик эмас.* ▬ *Ҳошим муштумини кўрсатди-ю, аммо туширишга келганда юраксизлик қилди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ҳали унчалик оғир гап ўтгани йўқ, юраксизлик қилиб, бу машинани ташлаб кетса, ўшанда шарманда бўлади.* Й. Шамшаров, Довруқ.

ЮРАКСИНМОҚ *кам қўлл.* Юраги бетламоқ, ботинмоқ. *[Офтоб ойим] Кумушга оғиз очишга юраксина олмай, азобланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮРАМОЛ 1 *шв.* Тез юрадиган, юришга моҳир; юрағон. *Юрамол от.*

2 *айн.* **юримсак**.

ЮРАҒОН Яхши, тез юрадиган. *Жонивор жуда юрағон чиқиб қолди. Узангига оёқ қўйганимдан бери бирон марта «чуҳ» деганим йўқ.* М. Хайруллаев, Меҳр кўзда.

ЮРГИЗИЛМОҚ Юргизмоқ фл. мажҳ. н. *Машина аранг юргизилди. Динга қарши ташвиқот юргизилди.*

ЮРГИЗМОҚ 1 Юрмоқ 1, 2, 4, 7, 10, 12, 13 фл. орт. н. *Тракторни юргизмоқ. Соатни юргизмоқ.* ▬ [*Йўлчи*] *Гулбоғчадаги у пари кўздан ғойиб бўлгунча, отни секин юргизиб.. ширин ўйларга ботган ҳолда кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Маълум иш олиб бормоқ, бирор иш ёки фаолият билан шуғулланмоқ. *У* [*Абдишукур*] *ўзини энг «кўзи очиқ ва янги фикрли» мусулмонлардан ҳисоблаб, «усули жадид» мактабларини очишга ташвиқот юргиза бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Алексей — хўжайиннинг заводини юргизадиган уста.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *кўчма* Бирор нарса билан чизмоқ, бўямоқ. *Тушь устидан қизил қалам юргизмоқ. Пиёла четларига тилла суви юргизмоқ.* ▬ *Қошининг ўз қораси қаноатлантирмади шекилли, устидан қора қалам юргизди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

[**Бировнинг**] **Бошида тегирмон тоши юргизмоқ** *қ.* **тегирмон**. **Кўз юргизмоқ** Қараб чиқмоқ, назар ташламоқ. *Йўлчи атрофга кўз юргизиб, сўнг мулойимлик билан жавоб берди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Фикр юргизмоқ** *қ.* **фикр 1**. **Ўз сўзига юргизмоқ** Ўз айтганини қилдирмоқ, ўз томонига оғдирмоқ. *Ёв тинч ётмас.. [баъзиларни] алдабсулдаб, ўз йўлига юргизмоқда.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЮРГИЛИК: **юргилиги қолмади** Элга қўшила олмай қолди, эл ичида юролмай қолди. *Фикр қилиб ўйладим, хўб бўлмади, Оқтош элда юргилигим қолмади.* «Муродхон». *Ер босиб, кўз очиб юргилигим қолмади.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ЮРИДИК [*лот.* juridicus — суд ва судловга оид] Ҳуқуққа, ҳуқуқшуносликка оид; ҳуқуқий. *Юридик консультация. Юридик факультет. Юридик жавобгарлик.*

Юридик шахс Турли мулкчиликка асосланган, мустақил иш юритувчи, қонунга кўра фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари субъекти бўлган корхона, ташкилот, муассаса.

ЮРИМСАК *с.т.* **1** Кўп юришни, масалан, меҳмондорчиликни яхши кўрадиган (аёллар ҳақида). *Юримсак жувон.*

2 Тез тарқаладиган, оғиздан оғизга кўчаверадиган. *Бу юримсак миш-мишларнинг айримлари қулоғига етиб келди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ЮРИСДИКЦИЯ [*лот.* jurisdictio – суд қилиш, суд жараёни] **1** Ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш, судлов ишларини олиб бориш ҳуқуқи.

2 Муайян давлат органи ваколатлари доирасидаги ҳуқуқ соҳаси.

ЮРИСКОНСУЛЬТ [*лот.* juris consultus – ҳуқуқшунос; ҳуқуқ маслаҳатчиси] Бирор муассасанинг ҳуқуқий масалалар бўйича доимий маслаҳатчиси; шу муассаса манфаатларини суд ва б. ташкилотларда ҳимоя қилувчи шахс. *Нашриётнинг юрисконсульти.*

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ [*лот.* jurisprudentia – ҳуқуқшунослик] Ҳуқуқ тўғрисидаги фанларнинг, ҳуқуқ нормаларининг амалий суратда қўлланиши билан алоқадор бўлган билимлар мажмуи.

ЮРИСТ [*лот.* jurista – ҳуқуқшунос] Юридик маълумотга эга бўлган шахс; ҳуқуқ соҳасининг амалий вакили. *Моддаси моддасига тўғриланди. Пихини ёрган юрист ҳам материалдан хато тополмайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЮРИСТЛИК 1 Юрист иши, вазифаси. *Юристлик қилмоқ.*

2 Юристларга, ҳуқуқшуносларга хос. *Унинг эгнида ёқасига юристлик белгилари тақилган оқ каламенка китель, бошида фуражка.* О. Ёқубов, Ларза.

ЮРИТИЛМОҚ 1 Юритмоқ фл. мажҳ. н. *Машина бугун юритиладими?* ▬ *Бу тўғрида юритилган фикр, ўқилган мақолалар унинг* [*Элмуроднинг*] *кўзини янада каттароқ очиб, мулоҳазасини чуқурлаштирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 ..деб айтилмоқ ёки аталмоқ. *Предметни билдирувчи сўзлар от деб юритилади.*

ЮРИТМОҚ *айн.* **юргизмоқ.** [*Шоқосим*] *Яна жувозни юритиб.. қичқирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу икки* [*киши*] *қоғозга михлангандек гап-сўзсиз савағич қаламни қирр-қирр қоғоз устида юритиб турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Фикр юритмоқ** *қ.* **фикр 1**.

ЮРИШ 1 Юрмоқ фл. ҳар. н. *Поезднинг юриши. Соатнинг юриши.* ▬ *Йигит уни мўъжаз қоматидан, чаққон юришидан дарҳол таниди: «Ҳаёт, Ҳаётим!» деб юборди у.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Меҳмондорчилик, кино, театр, сафар ва ш.к. га бориш; сайр қилиш, томоша қилиш. *Юришни яхши кўрадиган хотин.* ▬ *Ўзлари тўйма-тўй юришни, ярқироқ чопонлар кийишни яхши кўрадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *ҳарб.* Душманга, ёвга қарши қўшин тортиш, жангга отланиш. *Юриш қилмоқ.* ▬ *Рота командири старший лейтенант Годин шу ергача бўлган юришга якун ясади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 Бирор кимсага қарши ёки бирор мақсадга эришиш учун ташкилий равишда кўтарилиш, оммавий ҳаракат. *Эртасига муштумзўр хўжаликларни тугатиш учун юриш бошланди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Халқ юриш бошлади. Бу бир бурда нон учун, инсоний ном учун бошланган юриш эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Шахмат, қарта каби ўйинларда ўйновчининг навбатдаги ҳаракати, тадбири. *Бу юриш ютқизиққа олиб боради. Юриш кимдан? Юриш мендан. Филни юриш.*

6 *с.т.* Ҳаёт кечириш, яшаш. *-Ана гап! – деди Султонали, – балки умр бўйи шу вазифада қолиб кетарсиз. Шу ҳолда бутун умр хотинсиз юриш.. хах-хах!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мен ўз юртимда кўкрагимни кўтариб юришга ўрганиб қолган йигитман. Мен ўз юртимда мусофир итдай думимни қисиб юришни хоҳламайман.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

7 *айн.* **юриш-туриш**. *Бир оздан сўнг Шоқосим отларни тўхтатиб, Йўлчига қичқирди: -Тушунтир мундоқ, ўзи нима гап? Янги кийим кийган етимчадай кўзларинг така-пука, юришларинг инчунин бежо?* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу юриши ўз бошига балоди(р), Буровнинг қўлида тайин ўлади.* Фозил Йўлдош ўғли.

Кун юриш томон *с.т.* Жануб. *Қишлоқнинг кун юриш томони.*

ЮРИШЛИ 1 Тез ва яхши юрадиган. *Юришли айғир.* ▬ *Салимбойвачча, яхши ва юришли бўлса ҳам.. бу отда боришни ўзига эп кўрмай, дам жўнашга қарор қилар, дам яна айнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сайр ёки томоша қилса арзийдиган. *Йўқса, жоним, юринг. Янги шаҳарга чиқайлик, кечқурун юришли жойлар бор.. айланиб келамиз.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЮРИШМОҚ 1 Юрмоқ фл. бирг. н. *Улар анча жойгача пиёда юришди.* ■ *Жангчилар кийим-бошларини ечиб чиқишар, исимоқ учун у ёқдан бу ёққа юришар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Болалар ҳали ҳам кўчада тўполон қилиб юришарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Авжланиш, равнақ томон юз тутмоқ. *Иш юришмаса, буламиқ дандон синдирар.* Мақол. ■ *Ҳавога устун каби кўтарилган чанг-тўзон, қий-чув овозлар ишнинг юришиб кетганидан далолат берар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Бу ишда фақат менинг омадим юришмади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Ҳаво (*ёки* **кун**) **юришиб кетди** Ҳаво очилиб, кун исиб қолди. *Ҳаво юришиб кетгунча анча траншея қазиб оламиз.* И. Раҳим, Ихлос.

ЮРИШ-ТУРИШ Иш, хатти-ҳаракат ва ш.к. да ўзини тутиш ҳолати, аҳволи. *Унинг юзи-кўзи ва юриш-туришида бошқа жангчиларникидан фарқ қиладиган бирор нарса йўқ эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У Шакархоннинг ҳозирги юриш-туришидан шубҳаланган эди, шубҳаси тўғри чиқди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Рост, бу ўғлингиз серғайрат ва зеҳнли эканлиги юриш-туриши, важоҳатидан билиниб турибди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Уларнинг гаплари, муомалалари, юриш-туришлари Йўлчига тамом бегона туйилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮРМОҚ 1 Қадам ташлаб олға босмоқ, қадамлаб жилмоқ. *Тез юрмоқ. Секин юрмоқ. Оқсаб юрмоқ. От юрмай тураверди. Юрган — дарё, ўтирган — бўйра.* Мақол. ■ *Кампир юрганда, ҳеч қанақа овоз чиқмасди.. Оёғи худди пардек ерга беозор тегарди.* С. Аҳмад, Ота. *Мен ана у сўқмоқдан юрсам ҳам бўлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Чол от жиловини силтади. Отлар юриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Маълум йўналишда ҳаракат қилмоқ, бир жойдан бошқа жойга жилмоқ, бормоқ ёки кетмоқ (асосан транспорт воситаси ҳақида). *Машина чап томонга юрди. Трактор бедазорга қараб юрди. Катта арава қай йўлдан юрса, кичик арава ҳам шу йўлдан юради.* Мақол. ■ *Шаҳарда кўнкани илгари от сургар эди. Мана энди кўнка отсиз юрибди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Поезд бир неча соат йўл юргандан кейин ана шундай бекатчалардан бирига келиб тўхтади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Умуман, бир жойдан жилмоқ, силжимоқ (сузмоқ, судралмоқ, ўрмаламоқ ва ш.к.). *Ҳовузчада ўнтача балиқ юрипти. Дастурхон устида чумоли юрипти. Қурт новдадан юриб, гулга етди.*

4 Кезиш, айланиш, саёҳат ва ш.к. да бўлмоқ. *Шаҳарма-шаҳар юрмоқ. Эшикма-эшик юрмоқ.* ■ *Йўл билмасанг, йўл сўрагин юргандан, Гап билмасанг, гап сўрагин билгандан.* Н. Назаров, Замон. *Андижоннинг сувин ичганмон, Шарбат десам, қилмайман хато. Пахтазорин кезганман роса, Қирларида юрганман ҳатто!* Ё. Мирзо.

5 Ҳаёт кечирмоқ, яшамоқ. *Жияним уч йил бизникида юрди. Руслар орасида юриб, тил ўргандим.* ■ *Жамоа сизнинг бу ёқларда юрганингизни ҳали билмайди* [*деди Шарофат Сидиқжонга*]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Мирзакаримбой*:] *Ёшим етмишда. Эллик йил мол қайғусида юрдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен Тошкентда юрарман, аммо кўз ўнгимда сизнинг ҳайкалингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Иш-фаолият ва ш.к. да бирга бўлмоқ. *Ёмон билан юрдим — қолдим уятга, Яхши билан юрдим — етдим муродга.* Мақол. *Нодон билан юрма, номусингни букма.* Мақол. ■ *Бирга ишлайди, бирга юради, бирга туради; бир-бирига жуда муносиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мен далада ҳар куни қизлар, келинчаклар орасида юрардим. Ёш бўлсам ҳам, севганим бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Қатнамоқ. *Марказдан қишлоғимизга автобус юради.*

8 Давом этмоқ (ўзи бирикиб келган сўз билдирган ҳолатда). *Эсон-омон юрибсизларми?* ■ *Сиз шу йўсинда юра берсангиз, эрта-индин ўғилдан ажраласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Маърифатхон воқеасини эшитганидан бери унинг қабрини зиёрат қилиш ниятида юрган эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Хомиднинг бундай ишлари бор эканидан хабарсиз юрганимизга ҳайрон қоламан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Шахмат, қарта, домино каби ўйинларда ўз навбатида, навбати келганда ҳаракат қилмоқ, ўйнамоқ; юриш қилмоқ. *Пиёдадан юрмоқ. Тузни юрмоқ.*

10 Ҳаракатга келмоқ, ишлаб турмоқ, ишламоқ (механизмлар ҳақида). *Соатим яхши юряпти. Машина кечгача юриб турди.* ▬ *Ҳа, айтгандай, бу орада.. «трактор чўчқанинг ёғи билан юрар эмиш», «гўристондан товуш чиқипти», деган гаплар чиқиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

11 *с.т.* Суйган ёр билан вақт ўтказмоқ, яқин муносабатда бўлмоқ. [*Дилнавоз*:] *Ўша куни Жўранинг юрадиган қизи Бибигул менинг атлас кўйлагим билан ҳаворанг дуррачамни олган эди.* С. Кароматов. Бир томчи қон. *Биласиз-ку, иш кўп. Ҳар хил мажлислар ҳам кўп. Шулар билан юрсам, у мени хотинлар билан юрган, деб гумон қилади.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. *Айт, қачондан буён юрдинг.. Тиғи парронга учрагур! Йўлчи билан қачон топишдинг?* Ойбек, Танланган асарлар.

12 Рози бўлмоқ, кўнмоқ, унамоқ. *У бировнинг айтганига юрадиган одаммас.* ▬ *Тўғри, ихтиёр ўзларида, лекин сизга маслаҳат соладилар, маслаҳатингизга юрадиларда, яхши маслаҳат берсангиз, юрмайдиларми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Оз бўлса ҳам, пешона терим билан топаман, суқтойлик, мўлтониликка сира юрмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

Йўлига юрмоқ Бировнинг айтганини қилмоқ, айтганини бажо келтирмоқ. *Нурматжон, «Бу очиқ аёллардан чиққан гап, қиз шуларнинг йўлига юрган бўлса, жазосини тортсин», деб жўрттага иккинчи оғиз очмади.* А. Қаҳҳор, Қизлар. *Ё мен бошлаган йўлга юрасан, ё жонингдан умидингни узасан.* С. Аҳмад, Ҳукм.

13 Ёйилиб кетмоқ, ёйилмоқ; тарқалмоқ (гап-сўз, хабар ҳақида). *Эл оғзида юрган миш-мишлар.* ▬ *«Кечадан бери бир ярим минги қирилган!» деган хабар юриб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

14 *кўм. фл. взф.* **-(и)б** қўшимчали равишдошга бирикиб, ҳаракатнинг давомийлигини билдиради. *Томоша қилиб юрмоқ. Нима қилиб юрибсиз? Мен ўғлимни ахтариб юрибман.* ▬ *Низомиддиновнинг қўлидаги папиросидан сизиб чиқаётган тутун уй ичида ҳалқа-ҳалқа бўлиб сузиб юрибди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

15 (*3-ш. буйр. м. шаклида* — **юр**) Бирор томонга жўнаш, кетишга ундашни билдиради. *Юр, кеч қоламиз!* ▬ *Ҳа, баракалла, жумбоқ ўша ерда ечилади, юринглар!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бош кўтариб юрмоқ *қ.* **бош.**

ЮРТ 1 Маълум халқ, аҳоли яшаб турган жой; ўлка, мамлакат, ватан. *Туғилиб ўсган юртим. Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.* Мақол. ▬ *Баҳор! Ўзига хос ёқимли виқор билан юрт узра одим ташлайди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

2 Бирор мамлакат ёки ўлкада яшовчи халқ; эл; аҳоли. *Юрт пуфласа, шамол туради.* Мақол. ▬ *Ана холос, қози поччанг юртга ош бераётган бўлсалар, туянинг думи ерга тегибди-ку.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Юрт сўрамоқ Юртни, мамлакатни бошқармоқ, ҳукмдорлик қилмоқ, ҳоким бўлмоқ. *Агарда менинг юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик орттирмоққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимга — сенга маълум бўлмасмиди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Билим юрти Ўрта махсус ўқув, таълимтарбия муассасаси. *Педагогика билим юрти.* ▬ *Муборакхон билим юртида ўқиб юрган пайтларидаёқ тарбиячи бўлиб ишлай бошлаган эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Ўқув юрти** Умуман, ўқув муассасаси. *Олий ўқув юрти.*

ЮРТБОШИ 1 Эл-юрт бошлиғи, сардори, ҳукмдор; оқсоқол.

2 Мустақил Ўзбекистонда: Президентга нисбатан ҳурмат маъносида қўлланади. *Юртбошимизнинг нутқида кўтарилган ҳар бир масаланинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка атрофлича тушунтиришда университет жамоаси.. олдида турган вазифалар муҳокама этилди.* Газетадан. *Юртбошимиз бошлаган шарафли ишга бутун бир халқ қўшилди, юрагида ўти бор инсонлар Президент атрофида бирлашдилар.* «Мулоқот». *Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган.. янги авлод кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.* Газетадан.

ЮРТГАРЧИЛИК Юртда бўладиган турли таомил, муносабат, урф-одат ва ш.к. *-Ҳар ҳолда* [*ароқлар*] *кўздан йироқ турга-*

ни яхши, юртгарчилик-да, яна бирон киши.. — ярим чин, ярим ҳазил аралаш гапирди Халлоқбердиев. Т. Тўла, Ҳожи ҳисобчининг ҳикоялари.

ЮРТДОШ Бир юртда яшовчи ёки яшаган кишиларнинг ҳар бири (бир-бирига нисбатан). *Қудратнинг ҳам жанговар хизмати юртдош ёру дўстларининг хизматидай арзигулик бўлса.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Юртдошлар армияга чақирилувчиларни кузатгани шу ерга келдилар.* Газетадан.

ЮРТФУРУШ Ўз юрти ёки ватанига хиёнат қилувчи; ватанфуруш, хоин. *Орамизда йўқ бизнинг Юртфуруш, қўрқоқ!* Шуҳрат, Мангулик.

ЮРТЧИЛИК *айн.* **юртгарчилик.** *Ахир, юртчилик, қарашиб туришим керак-ку.* Уйғун.

ЮРУВСИЗ *айн.* **юруқсиз.** *Ошна, сен мени юрувсиз қилдинг.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ЮРУМ *шв.* Бирор иш, нарса, гап-сўз ва ш.к. нинг тартиб билан давом этиши, йўналиши, бориши, оқими. *Ишимизнинг юруми шундай бўлди.* ▬ *Ҳожи хола, қўлидан тушган косани синдирмай ушлаб қолган кишидай, гап юрумини тўғрилаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮРУМСАК *айн.* **юримсак.** *Унақа юрумсак бўлма, тентираш қизларга ярашмайди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЮРУҚ *шв. айн.* **юриш 2.**

ЮРУҚСИЗ: юруқсиз бўлмоқ Бош кўтариб юролмайдиган бўлмоқ. *Шарманда бўлдим, тенгқурларим орасида юруқсиз бўлдим.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Ўзингни икки нафсдан тий. Акс ҳолда, эл-юрт олдида юруқсиз бўлиб қоласан.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар. **Юруқсиз қилмоқ** Бош кўтариб юролмайдиган қилмоқ. *Ҳали қўлингдан от ўғирлаш ҳам келадими, қон юткур! Мени элда юруқсиз қилдинг-ку!* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЮРҒУСИЗ *айн.* **юруқсиз.** *Ёмонга яқин юрсанг, қораси юқар. Каримга яқин юриб, юртга юрғусиз қилдинг!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЮСТИЦИЯ [*лат.* justitia — адолат, одиллик; қонунийлик] **1** Олий суд; суд органлари фаолияти; суд, адлия.

2 Суд муассасалари тизими; суд идораси.

ЮТ 1 Дон-ғалла унмаган йил; очарчилик, қаҳатчилик.

2 Чорва очарчилиги; ўлат. *Увоқ моллар кўтарам бўлиб, ют бошланди. Асабий текширишлар кетди; ахир қирилиб кетган моллар учун кимдир жавоб бериши керак-ку.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЮТАМОҚ *айн.* **ютоқмоқ.**

ЮТИНМОҚ 1 Томоққа яқин суюқликни ютмоқ, ютгандек ҳаракат қилмоқ. *Чол қулт этиб ютинди. Ўйчан кўзларини найга қадаб, тикилиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Кўприк. *Лоланинг кўзига ёш келди, лекин йиғламади. Қуруқ ютиниб, кўз ёшини қайтариб юборди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

2 Ичкиси, егиси келиб, томоғида ютиш ҳаракатини қилмоқ. *Чойхоначи келтириб қўйган чойни қайтараётган эди, димоғига ош ҳиди урилиб, ютинди.* Ш. Холмирзаев, Милтиқ отилди. *Меливой ҳақиқатда чўллаган экан, ютиниб, пиёлага қаради.* Ф. Мусажонов, Нозик масала.

ЮТИШМОҚ I **Ютмоқ** I фл. бирг. н. *Беморлар иккитадан дори ютишди.* ▬ *Ғуломжонлар у ерга етиб боргунча қинғир-қийшиқ кўчаларда.. роса тузу тупроқ ютишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЮТИШМОҚ II **Ютмоқ** фл. бирг. н. *Бу галги ўйинда фарғоналик қизлар ютишди.*

ЮТМОҚ I **1** Бўғиз мускуллари кўмагида оғиздаги бирор нарсани томоқдан ўтказмоқ; ичмоқ; емоқ. *Дори ютмоқ. Сув ютмоқ. Дўстинг учун заҳар ют.* Мақол. *Ютганим — ўзимники, чайнаганим — гумон.* Мақол. ▬ *Эр бечора худди қаттиқ ётган касалдек майни қулт-қулт ютибди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Эътибор опа.. иштаҳа билан толқон ямлаб ютаётган Тўлқинжоннинг тим қора жингалак сочини силади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Ичига тортмоқ, сўрмоқ. *Папирос тутунини ютмоқ.* ▬ *Болалигидан савағич чангини ютиб, қирққа кирмай, ўпкаси тешилиб ўлган оталар, бўзчи тақдирини била туриб, болаларига ҳамон шу касбни мерос қолдирар эдилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *кўчма* Бирор нима дейишдан ўзини тиймоқ, ошкор қилмаслик. *Эргаш ака аввалги шахтидан тушди.. нимадир демоқчи эди, гапини ютди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. *Тўсатдан келиб қолган Фотимани кўриб, йигитлар нафратларини ютдилар.* П.

Турсун, Ўқитувчи. *Ғамни ютди, ютди аламни. Дард қуритди кўздаги намни.* Э. Раҳим. [*Бибиқатча*] *Ғира-шира тонгда изтиробини ичига ютиб, қўрадан чиқди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *-Маҳкам ака, — деди Гавҳар, — кўнглингизга келган ҳамма нарсани айтинг, ўтган йилдагидай ичингизга ютиб юрманг.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Ўз қаърига тортмоқ, йўқ қилмоқ. *Нега худонинг қаҳри келмас экан? Нега бу аблаҳ бойни ер ютиб юбормасикин-а?* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Уруш она ардоқлаб тарбиялаган фарзандларни балодай ютади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Хода ютгандай Ҳеч нарсага эгилмай, қайишмай, ғўдайган ҳолдаги шахсга нисбатан қўлланади. *Худододбек отининг жиловини ушлаганча, хода ютгандек ғўдайиб турар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳой, шумоёқ, нима қилиб турибсан хода ютгандай.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ютаман дейди** Жуда ваҳимали, қўрқинчли (бўш уй ёки ҳовли ҳақида). *Ҳувуллаб қолган уйда ёлғиз яшаш қийин. Ҳовли ютаман дейди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Катта уй, ҳамма ёқ сукунат, нақ ютиб юборай дейди.* Н. Фозилов, Дийдор. **Қон ютмоқ** Ниҳоятда азоб чекмоқ, хуноб бўлмоқ. *Деҳқон ерига чиғириқдан сув чиқариш учун навбат етгунча қон ютарди.* Н. Сафаров, Оловли излар

ЮТМОҚ II **1** Бирор иш, мусобақа, спорт ва ш.к. да ғалабага эришмоқ, муваффақият қозонмоқ. *Шахмат ўйинида ютмоқ. Курашда ютиб чиқмоқ.* ▬ *Арслон деган бир йигит курашда тенгқурларини ютди.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз. *Табрик қиламан, бригадангиз бу чопиқда ҳам ютиб чиқди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

2 Лотерея, қимор ва ш.к. ўйинда пул ёки бирор нарсани қўлга киритмоқ. *Заёмга ютмоқ. Лотерея билетига машина ютиб олди.* ▬ *-Эрим ютган пулларни, қимматбаҳо буюмларни бирга олиб жўнадим, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Фойдаланмоқ, наф кўрмоқ. *Бу ишдан мен ҳеч нарса ютмайман.* ▬ *Душман ўз кучларининг ичкариликдаги позициясига мустаҳкам ўрнашиб олиши учун вақтдан ютиш пайида эди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Хўп, хатни одамларга кўрсатарсиз, улар хотиним иккиталигини биларлар.. Бундан сиз нима ютасиз?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ЮТОҚ 1 Ғоят сувсираган, чанқоқ. *Ютоқ дала, оч дала, Оч даладан қоч дала.* Миртемир, А. Пўлат, Сирдарё сепи. *У [Йўра] чўли маликка, бир вақтлардаги ютоқ, сангин чўлга тикилиб турарди.* С. Акбарий, У ҳаётни севади.

2 *айн.* **ютоқи.**

ЮТОҚИ Очкўз, ебтўймас.

ЮТОҚМОҚ 1 Ниҳоятда сувсамоқ, чанқамоқ. *Очил акалар яна ярим тунда қайтишди. Ҳаммалари кела солиб, ютоқиб сув ичишди-да, таппа ташлаб, тошдек қотишди.* А. Мухтор, Чинор. *Кампир.. манний крупа билан шакар солиб сут пиширди. Уни шишага солиб берган эди, бола худди она кўкрагига ютоқиб ёпишгандай, икки қўли билан идишни чангаллаб, миқ-миқ шимира кетди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

2 Ғоят очқамоқ, очлик ҳис этмоқ. *Умида.. қўлидаги зоғора нонни ютоқиб кавшарди.* Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор.

3 Умуман, бирор нарсага ўта талаб бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ. *Деразани очиб ташлайлик, Уй ютоқиб олади нафас.* У. Қўчқоров. *Арслон каби тутоқиб, Дев сингари ютоқиб..* З. Диёр. *Бобур ютоқиб, олдинга интилди.. навкарлар қуршовини ёриб чиққанда, юзига шабада тегиб, хиёл енгиллашди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЮТУМ 1 Ичишдаги ҳар бир ютиш, томоқдан ўтказиш. *У, чанқовдан оғилни бузиб чиқиб, дуч келган ариқни очкўзлик билан симирган буқачадай, катта ютумлар билан ичаверди.* Ойбек, Навоий.

2 Ўлчов билдирувчи (нумератив) сўз; қултум, ҳўплам. *Бир ютум сув.* ▬ *Почамир билан Жума тоға бир четдан ҳовузга яқинлашдилар; лойқаланган сувдан бир-икки ютум олиб ичдилар.* Фитрат, Қиёмат.

3 Ютиш, ичишдаги таъм; ютиш, ичим. *Ютуми яхши вино.*

ЮТУҚ 1 Иш, фаолиятда эришилган муваффақият; ғалаба. *Илм-фан ютуқлари.* ▬ *Мен.. ўзбек халқининг пахтачилик соҳасида бу йил эришган катта ютуғини кўриб, беҳад қувондим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ютуқлар замирида доимо катта меҳнат, изланиш ўрин олган бўлади.* Газетадан. *-Ҳа-да, ишни бўшаштирмай, ураверайлик, битта тош жилдирсак ҳам, ютуғимиз, — деди Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Заём, лотерея каби ўйинлар тиражида қўлга киритиладиган, ютиб олинадиган нарса. *Заёмга беш минг сўм ютуқ чиқди. Ютуқни олмоқ.* ▬ *Жўравой билетларни қўлга олгач, мажбурлаб берилган лотереяга кўпинча ютуқ чиқади, деган миш-мишларни эслаб, кўнглида қандайдир умид учқуни йилт этди.* Газетадан.

3 Баҳс, беллашув кабиларда эришилган ғалаба ва шу ғалаба учун берил(ади)ган нарса. *Йирик-йирик мусобақаларда ажойиб ютуқларни қўлга киритган.* ▬ *-Енгилдим.. -Енгилган бўлсангиз, ютуғимни беринг.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЮТУҚЛИ Ютуқ чиқиши мумкин бўлган, ютуқ чиқадиган. *Ютуқли заём.*

ЮТУҚСИЗ Ютуқ чиқмайдиган, ютуқ чиқиши мумкин бўлмаган. *Ютуқсиз иш.*

ЮТҚИЗИШ *айн.* **ютқизиқ**. *Вақтдан ютқизиш.* ▬ *Гоҳо ютқизишда, гоҳо ютуқда Бир-бирин англарди олиқ-сотиқда.* М. Шайхзода. [*Қамбар*:] *Хўжайиннинг кармони ўпирилганга ўхшайди, толеи йўқ-да. Шу бу йил ютқизишдан боши чиқмай қолди. Нуқул бой беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЮТҚИЗИҚ Бирор соҳада юз берган муваффақиятсизлик, зарар кўриш; зиён. *Бу шахмат партиясини мен ютқизиқ деб биламан.*

ЮТҚИЗИҚСИЗ Бирор соҳада зарар келтирмайдиган. *Ютқизиқсиз иш. Ютқизиқсиз ўйин.*

ЮТҚИЗМОҚ I **Ютмоқ** I фл. орт. н. *Бола шу овқатни ҳам хархашасиз ютқизмади.*

ЮТҚИЗМОҚ II **Ютмоқ** II фл. орт. н. *Гапимга кирсанг, ютқизмайсан. Чемпион шахматда олти партияни ютқизиб қўйди. Футболчиларимиз бу гал ҳам ютқизмадилар. Ошиқ ўйнаб, бор-йўғини ютқизиб қўйибди. Жаҳлни кечиктирган ютар, ишни кечиктирган ютқизар.* Мақол. ▬ *Тўкилган шоналарни тўлатиб олмасак, ютқизиб қўямиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЮТҚИНМОҚ *айн.* **ютинмоқ**. *Ютқиниб олган ўпишларнинг йўқотдим салмоғин.* Ғ. Ғулом.

ЮҚ 1 Бирор нарсада қолган асар, қолдиқ. *Сут юқи. Қаймоқ юқи. Ун юқи халта. Қатиқ тўкилса, юқи қолади, Айрон тўкилса, неси қолади.* Мақол. ▬ *Лабларига сутга тўғралган нон юқи ёпишган чинни идишлар, пиёлалар ҳам йиғиштириб олинмабди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ойим келганларида, ҳовлидаги қон юқларини кўриб, қўрқиб кетдилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Қосимбек мўйловига теккан қимиз юқларини кафти билан артиб, сўз бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 (*3-ш. бирл. шаклида* — **юқи**) Ўзи бирикиб келган сўз англатган нарсага эгалик (шу нарса текканлик) маъносини билдиради; юқли. *Ёғ юқи сув ичида қозонсочиқ ивиб ётарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Хотини кириб, қўллари хамир юқи бўлганидан, тушиб кетган енгини шимариб қўйишни сўради.* Ҳ. Икромов, Булутли тонг. *Аҳмад афт-ангори кир, қўллари мой юқи.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Чап ичакка ҳам юқ бўлмайди *қ.* **чап** I. **Юқ (ҳам) бўлмайди** Ниҳоятда оз, кам. *-Халқ жонини фидо қилиб ишласа-ю, унга косага юқ бўлмайдиган овқат берса, — деди Анвар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. **Юқ бўлмоқ** Танасига сингмоқ. *Совлиқнинг егани ўзига юқ бўлади: кузгача семиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЮҚА *шв. айн.* **юпқа 1**.

ЮҚМА *кам қўлл. айн.* **юқумли.** *Юқма касал.*

ЮҚМОҚ 1 Бирор нарсадан ёпишмоқ, тегмоқ. *Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар.* Мақол. ▬ *У* [*Турсуной*] *йўлни ҳам жуда танлаб юрарди, шунча йўл юриб, почасининг жиягига гард юққан эмас.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Унинг тупроқ юққан юзларида из қолдириб, тўхтовсиз ёш оқарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Бировга ўтмоқ (асосан касаллик ҳақида). *Грипп — юқадиган касаллик. Менинг касалим сенга ҳам юқмасин.*

3 *кўчма* Ўз таъсирига олмоқ, таъсир қилмоқ, бошқага ўтмоқ. *Эшон ҳам, отинойи ҳам иккиюзлама, ёлғончи ва сассиқ гап одамлар эди, уларнинг бу одатлари болаларига ҳам юққан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эҳтимол, Элмуроднинг шодлиги унга юққандир.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Гап юқмайди Гап кор қилмайди, гапни қулоғига олмайди. *Унча-мунча гап манга юқмайди-да. Чунки терим пўст ташлайвериб, чармга айланиб кетган.* М. Иброҳимов, Эгасига тегмаган мактуб.

4 (*асосан инкор шаклида*) Яхши ҳазм бўлмоқ, танасига сингимоқ.. *Ўғирлик ош баданга юқмас.* Мақол. ▬ *Бир еринг санчиб, бошинг айланиб турса, еган-ичганинг юқмас экан.* «Муштум».

Сув юқмас, сувюқмас Гап таъсир қилмайдиган, безбет. -*Бошлиғимиз феълига сира тушуниб етмадим. Ўзиям хўп сув юқмас экан-да. Кишига сира эл бўлай демайди-я.. — деди Остонақул.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ЮҚОРИ 1 Бирор нарсанинг энг устки қисмида жойлашган; тепадаги, баланддаги, устки. *Бинонинг юқори қавати. Булутнинг энг юқори қатламлари.* ▬ [*Мулладўст*:] *Пастки жағи юқори жағи билан эртадан кечгача муштлашгани-муштлашган.* Ҳамза, Майсаранинг иши. [*Қиз*] *Белини қизил камар билан шундай сиқиб боғлабдики, икки бўлак одамга ўхшайди. Агар жиндек эгилса, юқориси тушиб кетадигандек.* С. Аҳмад, Мўтти. *Заврак билан Зулфиқор юқорида ғишт теришарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бинонинг ёки бирор иншоотнинг устки қавати; болохона. *Қори ўрнидан турди, бошқа ҳеч нарса демай, бошини қуйи солганича, битта-битта қадам босиб, юқорига чиқиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Бирор ерга нисбатан баланд ўрнашган жойлар; баланд томон; баландлик. *Аҳмаджон.. ҳеч нарсага қарамай, полизма-полиз юқорига қараб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. -*Сувни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёғига чим босиб, кўтариб келиш лозим бўлади, — деди* [*Амин бува*]. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Катта ер юқорида, шу ердан бир соат мўлроқ юрасиз, у ерда нуқул пахта унади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ер, шахс ёки нарса устидаги бўшлиқ; тепа. *Қуюқ тутун юқорига ўрлаяпти.* ▬ *Қайтиши ҳамон юқоридан учиб ўтган бир-икки мошак қушнинг «чев-чев» деган товушини эшитиб, кўкка қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шар дақиқа сайин катталашар, юқорига кўтарилар эди.* Газетадан. *Олатасир бошланди, юқоридан дўлдек ёғилаётган ўқдан душман ўзига келди.* Газетадан.

5 Хонанинг эшикка нисбатан қарама-қарши томони; одатда ҳурматли кишилар ўтирадиган томони; тўр. *Сидиқжон пойгакка бир оз силжиб, уни* [*Зуннунхўжани*] *тўрга таклиф қилди: -Қани.. юқорига.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Меҳмонни юқорига ўтқазиб, дарҳол ўғлига дастурхон ёзишни буюрди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Миқдор, сифат ва ш.к. жиҳатдан меъёрдан, мавжуд ҳолатдан ортиқ, ортиқ даражали. *Юқори баҳо. Юқори босим (тиб., физ.) Юқори маданият. Юқори малака. Юқори сифатли моллар. Юқори нав пахта. Юқори ҳарорат. Юқори ҳосил.* ▬ *Қиш бўлишига қарамай, ҳавонинг тафти юқори, осмон мусаффо.* Газетадан. *Мактаб ислоҳоти ўқитувчилик касбининг обрў-эътиборини юқори кўтарди.* Газетадан.

7 Нисбатан устун. [*Отабек*] *Унинг ҳусндагина эмас, ақлда ва бошқада Зайнабдан неча баравар юқорида эканини ўйлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йирик заминдорлар, сармоядорлар учун ўз манфаати, ўз фойдасидан юқори нарса йўқ.* Ойбек, Нур қидириб. *Бизнинг жамиятимизда инсон нурдек покиза, нондек азиз, у ҳар қандай бойликдан юқори туради.* Газетадан.

8 *с.т.* Вазифа, мавқе ва ш.к. жиҳатдан юқори, етакчи бўлган (ташкилот, орган ва б.). *Юқоридан олинган буйруққа биноан иш кўрмоқ. Юқоридан берилган топшириқ. Юқоридан келган вакиллар.* ▬ *-Қани.. ҳа, ундан кейин ўртоқлар, — деб яна изоҳ берди Алимқул, — қўл қўйиш масаласида менга юқоридан ҳам, пастдан ҳам бир оз гап тегиб қолаётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сизга кичик офицер унвонини бериш ҳақида юқорига ёзма хабар берганмиз..* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

9 Ўқувчилари ўқиш муддатини битиришга яқинлашиб қолган, ўқиш муддатининг сўнгги йилларидаги (синф, курс ва ш.к. ҳақида). *Юқори курс талабалари.* ▬ *Фақат юқори синф шогирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида нималардир тўғрисида жимгина, лекин жиддий суҳбатлашмоқда эдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

10 (*ў.-п. к. шаклида —* **юқорида**). Воқеалар баёнининг олд (юқори) қисмида. *Юқорида биз ёш Хушрўй билан ўқувчини бир даража таништирган эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮҚОРИГИ Бирор жой ёки нарсанинг юқори, устки қисмига жойлашган. *Мудофелар қўрғоннинг энг юқориги поғонасида*

ўзларининг турли тус ва бичиқдаги кийимлари билан.. қўрғон кунгурасига суяниб, бошларини қуёшга бериб ўтирардилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шербек чамадончасини юқориги полкага қўйди-да, ўзи пастки полкага, янги ҳамроҳлари қаршисига ечинмасданоқ ўтира қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЮҚОРИЛАМОҚ Тепа томонга, юқорига кўтарилмоқ, юқорилашмоқ. *Самолёт тобора юқорилаб кетди. Юқорилаб учмоқ.* ▬ *Юқорилаганимиз сари арчалар ҳам сийраклаша боради.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

ЮҚОРИЛАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **юқорилашмоқ 4.** *Азизбекни қўлга тушириб бериш билан қипчоқлар ҳузурида ҳам Юсуфбек ҳожининг қадру қиймати юқориланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЮҚОРИЛАШМОҚ Юқориламоқ фл. бирг. н. *Улар тобора юқорилашди.*

2 *айн.* **юқориламоқ**. *Шар юқорилаша бориб, кўздан йўқолди.*

3 *кўчма* Авжига чиқмоқ; кучаймоқ. *Касалнинг иссиғи юқорилашиб кетди.* ▬ *Орадан ўн беш дақиқа чамаси фурсат ўтиб, товушлар бир оз юқорилашиб келмакка бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *кўчма* Юқори даражадаги лавозимни эгалламоқ; мартабаси ва обрўси орта бормоқ. *Ҳали ёш йигитсиз.. мансаб поясида балки юқорилашурсиз.* Ойбек, Навоий.

ЮҚОРИЛИК 1 Юқори ҳолат, юқори эканлик. *Баҳонинг юқорилиги. Иссиқлик даражасининг юқорилиги. Мансабнинг юқорилиги.* ▬ *Ўзбек ойимнинг бўлса олатурган келинига эътимоди юқорилигидан ўйлаб-нетиб турмади..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нисбатан юқори, баланд жой; тепалик. *Белгача совуқ сув ичида, ботқоқликда пуд-пудлаб лойни жуда юқориликка отиш керак.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кўчанинг нариги томони яна юқорилик бўлиб, унда 159-полк анчадан буён туради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЮҚТИРМОҚ Юқмоқ фл. орт. н. *Озода киши эгнига гард юқтирмайди. Касаллик юқтириб олмоқ.* ▬ [*Муаттар*:] *Вой, вой.. Қоракуяни қаердан юқтирдинг?* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

Сиртига сув юқтирмаслик *қ.* **сирт.**

ЮҚУВЧАН Осонлик билан, тез юқадиган. *Грипп юқувчан касалликдир.*

ЮҚУМЛИ 1 Юқиш хусусиятига эга; юқадиган (касаллик ҳақида). *Юқумли касаллик.* ▬ *Бу чора ҳар хил юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймасликни таъминлайди.* Газетадан.

2 *кўчма* Умуман, юқадиган нарса ҳақида; юқиш хусусиятига эга. *Ёмон одат юқумли бўлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Рисолатнинг кулгиси шу қадар ёқимли ва «юқумли» эдики, бошқалар ҳам беихтиёр жилмайишди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЮҚУМСИЗ Бошқаларга юқмайдиган, юқумли эмас. *Юқумсиз касаллик.*

ЮҚУМСИЗЛАНТИРМОҚ Юқишнинг олдини олмоқ, юқмайдиган қилмоқ. *Касалликни юқумсизлантирмоқ. Уруғликни юқумсизлантирмоқ.*

ЮҚУМЧИЛ *кам қўлл. айн.* **юқумли.** *Юқумчил касаллик.* ▬ *Касалини билмадик. Юқумчил бўлса, тағин юқмасин.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бу фалокатли юқумчил дард эрур инсон учун..* Ҳабибий.

ЮҚ-ЮРУН *айн.* **юқ.** *Мендан ғалла олсалар ҳам, қолган юқ-юрунлари билан ўзимни очликдан сақлай оламан.* С. Айний, Дохунда.

ЮҒУРМА Бадиий асарлар йиғиндиси, мажмуа; тўплам.

ЮҲО 1 Барча жониворларни аралаш еб, ютиб юборадиган афсонавий махлуқ.

2 *кўчма* Ебтўймас, очофат. *Мавжуд қонун-қоидаларни топташ эвазига бўлса ҳам, кўпроқ бойлик орттириш пайига тушган юҳолар ҳам йўқ эмас.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл. *Болта кўпас Миркомилдан қолишмайдиган юҳо чиқиб қолди: пахтани пахтада ютади, мевани – мевада.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.



Я

-я *юкл. (унлилардан кейин) айн.* **-а**. Таъкид, таажжуб каби маъноларни билдиради. *-Саксонта қовунга-я! Уч сўм! — деҳқон тескари бурилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тавба! Шу кичкинагина орзуси ҳам ушалмади-я!* Р. Раҳмонов, Келин. *-Раҳимжон, — деди Эҳсон чой маҳалида, — рафиқангиз кирмайди-я! Шунақа уятчанми?* А. Қаҳҳор, Сароб. *У шу сўзларни айтди-ю, юраги шув этиб кетди: онаси жеркиб ташласа-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ғирромлик қилишмаса майли-я.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳай-ҳай, жонивор сув муздек. Баданга мойдай ёқади-я.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил. *Қилғиликни қилиб қўйиб, тағин талмовсирайди-я бу хотин.* Р. Раҳмонов, Келин.

ЯГАНА [*ф.* یگانه — якка, битта, биргина] *қ.х.* Экин тупининг яхши ривожланиши учун ёш вақтида ортиқчасини юлиб ташлаш, керакли миқдорда қолдириш, сийраклатиш. *Ғўза қаторларини ягана қилмоқ.* ▬ *Бу пахта семиргани қўядими! Чигит ташлайсан — эгиласан, ягана, ўтоқ, чопиқ қиласан — эгиласан.. терасан — эгиласан.* С. Нуров, Нарвон. *Илгари чопиқ, яганаю чеканка ҳам ўқувчиларсиз битмас эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЯГАНАЛАМОҚ *қ.х.* Яганалаш ишини бажармоқ; ягана қилмоқ. *Ғўзани яганалаш, озиқлантириш.. ишлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.* Газетадан.

ЯГАНАЧИ *қ.х.* Яганалаш ишини бажарувчи.

ЯГОНА [*ф.* یگانه — якка, битта, биргина] **1** Бор-йўғи битта, якка-ёлғиз; бирданбир, биттаю битта. *Оиланинг ягона фарзанди.* ▬ *Бу дардли ҳаётда Гулнорга ягона бахт — Йўлчининг синглиси Унсин эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *«Эшак» деб аталадиган уч кишилик ягона, оёқлари тарвайган скамейкада Абдурасул билан Ойимхон ўтиришибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ғарбий Буг дарёси устидаги ягона кўприк.. Тез бориб, уни албатта эгаллаш зарур эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Бошқа тенги йўқ, биттаю битта ҳисобланувчи. *У ўттиз ҳунарда ягона.* Ойбек, Навоий. *Ҳа, Нажмиддин Бухорий ҳазратлари билан отангиз устод Қавом ҳазратларини Хуросону Мовароуннаҳрда ягона, десак хато бўлмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Ҳамма учун умумий, бирлашган, бирдан-бир. *Ягона давлат нархлари.* ▬ *Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб яшамоқдалар.* Газетадан.

4 *кам қўлл. юкл.* Фақат, биргина. *Ширин афсоналар айтиб юлдузлар, Ёнига чорлайди мени ягона.* Р. Парфи.

ЯДРО [*р.* ядро < *юн.* hadros — куч, қувват; кучли, мустаҳкам] **1** *спрт.* Итқитиш учун ишлатиладиган думалоқ оғир спорт қуроли. *Спортчи ядрони 20 метрга ирғитди.*

2 *махс.* Бирор нарсанинг ички марказий қисми; ўзаги, мағзи. *Ернинг ядроси. Атом ядроси. Ядронинг бўлиниши.* ▬ *Ядро эса ҳужайрадаги барча жараёнларни бошқариб турадиган марказдир.* «Фан ва турмуш»

3 *кўчма* Бирор жамоа, гуруҳ, ташкилот ва ш.к. нинг асосий қисми, муҳим қисми; таянч. *Шу сабабли миллий тил ономасти-*

каси ва топонимикаси фондининг асосий — ядро қисмини халқ шеваларидаги ономастик материаллар ташкил этади.. «ЎТА».

4 *айн.* **ядровий.** *Ядро уруши. Ядро қуроли.* ▬ *Бутун рўйи заминга ядро фалокати соя ташлаб турган айни пайтда халқаро бирдамлик тантанаси улкан аҳамиятга эгадир.* Газетадан.

ЯДРОВИЙ Ядрога, атом ядросида рўй берадиган жараёнларга оид, ядро қуроли билан бўладиган. *Ядровий қурол. Ядровий уруш. Ядровий физика. Ядровий фалокат.*

ЯЁВ *с.т. айн.* **пиёда.** *Икковга биров ботолмас, отлиққа яёв етолмас.* Мақол. ▬ *Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди манда.* Ҳ. Олимжон. *Марднинг иши элда шундай бўларми? Отидан айрилиб, яёв қоларми*? «Алпомиш». *Зиёдилланинг тахминича, Комил дарёдан ўтган, Қумқишлоқ гузаригача яёв келган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЯЁВЛАМОҚ *фольк.* Пиёда юрмоқ. *Яёвлаб чиқдингми ўсган элингдан?* «Муродхон».

ЯЗДОН [*ф.* يزدان — худо, тангри] Худо, тангри. *Ҳазрати шери яздон, йигитлар пири ҳазрати Али камарбандини боғласинлар..* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЯЗНА *шв.* Почча. *Ўктамбой язнасининг кетмонини ҳам узоқ ишлатолмай, ўзи олиб келган расмий кетмонни ишлатишга мажбур бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Райим язнамиз сал ғирром куёвлардан чиқиб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЯЙДОВ *айн.* **яйдоқ 1.** *Олисларда яйдов отлар кишнайди.*

ЯЙДОҚ 1 Эгар-жабдуқсиз, яланғоч (от ҳақида). *Яйдоқ отни етаклаб олган баланд бўйли хушмўйлов йигит анҳор томонга ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ярим соатдан кейин ҳалиги йигит, яйдоқ от устида ўқдай учиб ўтди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Йигитлар отларни яйдоқ миниб, уй анжомларини тепаликларга ташимоқдалар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *кўчма* Ўсимлик ўсмайдиган, ўт-ўлансиз, дов-дарахтсиз; яп-яланғоч. *Яйдоқ чўл.* ▬ *Яйдоқ Бўз ҳам маданий, Биз уни юганладик.* Ғ. Ғулом. *Тўрткўл десам, Нукус қалъам соғинтирар, Чимбойдаги яйдоқ далам соғинтирар.* С. Акбарий.

3 *кўчма* Ҳеч нарсаси йўқ; қашшоқ. *Буни ҳайданг, сира қўйманг, Иши савдою харид, Олти кунда ҳаммани Яйдоғу яксон қиладир.* Ҳамза.

ЯЙЛАМОҚ *фольк.* Ёйилмоқ, ёйилиб ўтлаб юрмоқ. *Отинг яйлаб бу чорбоғда юрибди, Қанча бир гулларни нобуд қилибди.* «Нурали».

ЯЙЛОВ Чорва моллари эркин ўтлайдиган, ёйилиб боқиладиган кенг дала, майдон; ўтлоқ. *Моллар билан ёз яйловда бўламиз, Қиш совуқда ферма билан келамиз.* Фозил Йўлдош ўғли. *Мисрбойнинг яйловда минглаб зотли йилқиси, от заводи, шаҳармашаҳар юриб от сотувчи аспжаллоб одамлари бор.* С. Абдулла, Ўғрини қароқчи урибди.

ЯЙЛОҚ *шв. айн.* **яйлов**. *..булар ҳам келиб, Урганчнинг Боғотида яйлоқ тепанинг устига чодир тикиб ётар эди.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЯЙРАМОҚ 1 Ўзини эркин ҳис қилган, ўйнаб-кулган ҳолатда бўлмоқ; ёзилмоқ, маза қилмоқ. *Дунёга келгандан кейин юр, кул, яйра, кўр, маишат қил.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Боёқиш хотинлар ҳам бир яйраб келсин-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор нарсадан ғоят мамнун бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ; севинмоқ. *Гўдакдай яйраб кетди.* ▬ *Розиқ мўйловини бураб, тилла тишини йилтиратиб, яйраб, илжайиб турарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯЙРАТМОҚ 1 Яйрамоқ фл. орт. н. *Бу бахт Паризод дилини яйратар, чеҳрасини гулгул яшнатарди.* Х. Аҳророва, Орифнинг давлати. *Саидғани.. овқатни зўр иштаҳа билан еди. Иссиқ овқат танасини яйратди.* Н. Юсуфий, Хатдаги доғ.

2 Ҳайвон ва паррандаларни кенг майдонга ёйиб юбориб ўтлатмоқ, сайр қилдирмоқ. *Қўйларни яйратмоқ.*

ЯЙРАШМОҚ Яйрамоқ фл. бирг. н. *Болалар боғчада ўйнаб-кулиб яйрашади.* ▬ *Бир оз яйрашамизми, деб келган эдим, шу ерда ҳам тинчлик бермадингиз!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ЯК [*ф.* يک — бир, битта, якка, ягона] *кам қўлл.* Бир, якка, ягона. *Олма, аноринга балли, Як дона холингга балли.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

Як жилов қилмоқ Жиловнинг бир томонини тортмоқ; шу тарзда от бошини ўнгга ёки сўлга бурмоқ. *Шумлик қилсанг, қонлар ютиб ўлсанг-чи, Икки қўллаб як жилов қиб бурсанг-чи.* «Алпомиш».

ЯКАН 1 *бот.* Зах ва серсоя ерларда, тўқайларда тола-тола бўлиб ўсадиган бир

ёки кўп йиллик ўсимлик (толаси пишиқ бўлганлигидан, одатда, боғдорчиликда ток боғлаш учун ишлатилади) *Якан ўрмоқ. Токни якан билан боғламоқ.* ▬ *Кўлнинг саёз жойларида одам бўйи қамишлар, яканлар ўсиб.. ётарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *жарг.* Пул. *Эсинг борида этагингни ёп, деган машҳур нақлга амал қилмасак бўлмас. Бир ёқдан яканнинг қўри қочяпти.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Гапни айлантирманг. Ёғлиқ жой. Якан катта бўлади!..* «Муштум».

ЯКАНДОЗ [*ф.* يكانداز – бир хил, тенг; ўхшаш] Узун бир қават кўрпача. *Тошхон тахмондан якандоз олиб тўшади.* Р. Раҳмонов, Келин. -*Мингбоши мени юқорига – икки қават якандозга таклиф қилди, – деди Шокарим.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ЯКАНЧИ Эски-туски нарсалар билан савдо қилувчи; ёймачи. *Шаҳарнинг Ожар кўчасидаги узун тор бозор ҳам ўзига хос, қизиқ.. Мискар-кулолчилар ҳам, яканчилар ҳам.. маддоҳлар ҳам – ҳаммаси шунда.* Ҳ. Қодирий, Қоҳира лавҳалари.

ЯКБОРА [*ф.* يكباره – бирдан, тўсатдан; бир йўла; тамомила, бутунлай] *кт.* Ҳамма баравар, бир вақтнинг ўзида, бир йўла, ёппасига. *Якбора ҳамма ўрнидан турди.* ▬ *Якбора «Агар эртага уруш бўлса» деган ашулани айтмоққа бошладик.* М. Муҳамедов, Машқ.

ЯКДИЛ [*ф.* يكدل – ҳамжиҳат(лик), бир хил фикрли(лик)] Фикри, мақсади бир, бир хил; иноқ, аҳил, ҳамнафас. -*Қурилишни тез бошлаб юбориш учун ҳамма яктан, якдил.. – деди Ўктам.* Ойбек, О.в. шабадалар. -*Жамоа, Асқар оқсоқол қандай одам эди? -Раҳматли яхши одам эди.. Якдил бу жавоб оқсоқол умрининг ўзига хос якуни, ўзига хос баҳси эди.* «Ёшлик».

ЯКДИЛЛИК Якдил ҳолат, бир жон-бир тан бўлиш. *Мамлакатимиз учун иттифоқлик, баҳамжиҳатлик, якдиллик сув ва ҳаводай зарур.* Ойбек, Нур қидириб. *Конференция охирида унинг қатнашчилари якдиллик билан тавсиялар қабул қилдилар.* «ЎТА».

ЯКДОНА [*ф.* يكدانه – якка, ягона; севимли, арзанда] **1** Донаси йирик, боши сийрак узум тури. *..Якдона узумнинг олтин доналарини оғзига бир-бир отиб..* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *кам қўлл.* Бир донагина; якка, ягона. *У [Патила] ҳеч кўрмагандай, яна бир карра Ҳафизанинг лаби остидаги якдона холига, кўзларига рашк билан қараб қўйди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЯККА [*ф.* يكّه – бир, битта; ягона, ноёб; тенги, ўхшаши йўқ; ёлғиз] **1** *айн.* **ягона 1.** *Якка туп ўрик. Якка ўзим келаман. Якка бортли костюм.* ▬ *Мунисхон онанинг якка қизи эди.* С. Зуннунова, Меҳнат ва турмуш. *Қишлоқ тинчлигини бузган бу якка от туёқларининг тарақ-туруқи, тақаларнинг тошларга урилишидан чиққан ялт-юлт чақмоқ дам ўтмай узоқлашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бирон қонунни бузсанг, жазосини ўзинг якка тортасан.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Якка кифт бўлиб Бир кифтини олдин чиқариб, бир кифти билан. *Йўлчи якка кифт бўлиб, халқ орасини ёриб, олдинга ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Яккаю ягона** 1) бирдан-бир, ёлғиз, ягона; 2) *кўчма* энг яхши, тенги йўқ, мисли кўрилмаган. *Бу ҳофиз бутун оламга танилган яккаю ягона овоз.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳеч кимсиз; ёлғиз, кимсасиз. *Зайнаб қолди бечора якка.. На бир сирдош, на-да бир йўлдош.* Ҳ. Олимжон. *Нима бўлса ҳам яккаман.. Кўза кунда эмас, кунида синади.* «Ойсулув». *Бир қояда гариллаб чақиради, Добили ярқиллаб, бир одам якка.* «Нурали».

3 *айн.* **ягона 2.** *Эзгулик бобида фақат у якка, Фақат у барчага тенг ва баробар.* А. Орипов.

4 Бошқаларга қўшилмасдан, ўзи алоҳида бўлган. *Якка ҳунарманд. Якка деҳқон.* ▬ *Гапнинг боши шуки, ўша сен пул қистаб борганда, у Ҳайдар ҳожидан ажраб, ўзи якка дўкон очиш ҳаракатида юрган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Якка хўжалик *эск.* Колхоз ёки совхозга кирмаган, жамоа хўжалигига қўшилмаган хонадон, оила. *Билиб қўйинг, якка хўжаликнинг колхозга бирлашиши муқаррар.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

4 *кўм. взф. кам қўлл.* Фақат. *Ёлғиз мени ўйла интизор, Ўйларингда мен яшай якка.* Р. Парфи.

ЯККАБОШ Ҳеч кими йўқ, сўққабош, кимсасиз, ёлғиз. *Яккабош йигит.* ▬ *Ота-онасидан айрилиб, яккабош саргардон бўлиб юрганидан буён, бирон одам у билан одам қатори гаплашмаган эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЯККАБОШЧИЛИК Бошқаларга қўшилмаслик, ўзи ёлғиз, якка тартибда ҳаракат қилиш.

ЯККА-ДУККА Унда-бунда, сийрак. *Якка-дукка сочлари силлиқ таралган.* ▬ *Сўл томонда.. якка-дукка дарахтлардан нари азим дарё оқариб кўринади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У ер-бу ерда хўрозлар чақиргани, якка-дукка итлар ҳуригани эшитиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯККА-ЁЛҒИЗ 1 Биттагина, фақат битта, яккаю ягона, ягона. *Батальонда якка-ёлғиз бўлган қизни ўкситиш яхши эмаслигини имкони борича ётиғи билан гапириб чиқди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Бошқалардан ажралган ҳолда; ёлғиз. *Якка-ёлғиз қорайган уйлар..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯККАЛАМОҚ Бир ўзини бошқалардан ажратиб қўймоқ, ёлғиз қолдирмоқ; ажратиб ташламоқ, ёлғизламоқ. *..шафқатсиз, беомон тақдир ёшлигидан қийноққа солди. Севгилиси Зубайдадан жудо қилиб, яккалаб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЯККАЛИК Якка ҳолат, якка бўлиш. *Уватларни увалатиб, Яккалик чекин бузиб [жамоа хўжалигининг] Учинчи қўши чиқди.* Ғ. Ғулом.

ЯККАМА-ЯККА Бир киши билан бир киши, бир кишига қарши бир киши; биттага битта. *Яккама-якка суҳбат.* ▬ *[Рустам] Яккама-якка жангларда сак уруғининг душманларидан кўп баҳодирларни ер тишлатган эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Хон, вазири акбар билан яккама-якка суҳбатлашгани чўчигандек, ҳамиша аъёнларини икки биқинига йиғиб ўтиради.* С. Сиёев, Аваз.

ЯККАМ-ДУККАМ *айн.* **якка-дукка**. *Узоқдаги тупроқ йўлдан ўтаётган яккам-дуккам.. аравалар кўринади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Жонизоқ отанинг яккам-дуккам бир тутамгина соқоли титраб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЯККАМОХОВ Эл-юртга қўшила олмайдиган, жамоатдан ажралиб қолган. *Одамови, яккамохов бўлиб яшайди.* «Гулдаста».

Яккамохов қилиб қуймоқ Эл-юртга қўшмай, жамоатдан ажратиб, ёлғизлаб қўймоқ. *Бу одати учун [Қоплонбекни] болалар «яккамохов» қилиб қўйса, ойисининг қутисидан ҳовуч-ҳовуч мевалар ўғирлаб чиқиб, улашарди-да, «ярашиб» оларди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЯККАХОН [*ф.* یکّه‌خوان – ёлғиз, бир ўзи куйловчи] **1** Якка ижро этувчи (қўшиқни); солист. *Яккахон ашулачилар танлови.* ▬ *Ўтиб санъатда Юсуф Андижоний, Навоийнинг севикли яккахони.* Ҳабибий. *Шоирлар хорида яккахон бўлиб, Баралла янграйди сенинг овозинг.* Уйғун.

2 Бир ўзи, ёлғиз. *Яккахон бедана жуфтини чорлаб питпиллади.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Қуюқ дарахтлар шохида макон тутган яккахон булбул бирам ёқимли хониш қиладики.. иложсиз тўхтаб, ҳузур қилиб тинглайсан киши.* Р. Раҳмонов, Восил ака.

ЯККАЧЎП [*ф.* یکّه‌چوب – битта, ягона тахта, хода] Ариқ ёки анҳор устидан ўтиш учун қўйилган узун хода. *Йигит ўгирилиб қараган эди, яккачўп устида қошига энлик қилиб ўсма қўйиб олган, кўкракбурма кўйлакли қизни кўрди.* С. Аҳмад, Муҳаббат. *Ногаҳон ўзимни катта дарё устига ташланган яккачўп олдидан чиқиб қолгандай ҳис қилдим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЯККАШ [*ф.* یکّش – якка, ягона, бир ўзи, ёлғиз] *рвш. с.т.* **1** Нуқул, ҳамиша; доим. *Бир, кўнгли бўшгина аёл эса Абдулладан кўзини узолмай, яккаш йиғларди.* Ф. Усмонов, Қора ният. *Ҳар баҳорга чиққанда яккаш: «Бахтим борми?» дея сўрайман.* Ҳ. Олимжон.

2 *кам қўлл. айн.* **якка 1.** *Дарё бир севги жоми.. Ойдай ҳуснда яккаш.* С. Акбарий. *Сени ким дер илми толиб, Халойиқни ўйлатмасанг, Қалам билан яккаш қолиб, Қоғозингни сўйлатмасанг.* Б. Бойқобилов.

ЯККА-ЯРИМ Оз миқдорда, битта-яримта. *Катта ҳовлида якка-ярим навкарлар от қашлаб, жул-жубба ямаб, ивирсиб юрар.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Дам ўтмай.. якка-ярим чакиллаб турган ёмғир худди челаклаб қуйгандек шаррос қуя кетди.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди.

ЯККАҚЎЛ Оила-рўзғор ишида асосий (касбий) ишни фақат ўзи бажарадиган, биргалашадиган кишиси йўқ. *Яккақўл косиб.* ▬ *Жамоадан.. баъзи яккақўл ўртаҳол деҳқонлар бу ишга [ёппа колхозлашишга] аввал совуққонлик билан қараб, у қадар қаршилик кўрсатмаган эдилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЯККАҲОЛ: яккаҳол деҳқон *эск.* Жамоага қўшилмай, ўзига алоҳида, хўжалиги алоҳида бўлган деҳқон. *Олахўжа ён-верига қараб, кўзи тушган ўрта деҳқон ва ҳатто яккаҳол деҳқонларни ҳам Абдурасулга қарши гижгижлата бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯКОРЬ [*р.* якорь < *қад. исландча* ankari < *лот.* ancora – лангар, якорь] *тех.* Электр машинанинг айланма ҳаракат қиладиган қисми. *Генератор якори.*

ЯКРЎЯ [*ф.* یکرویه – самимий, очиқ, тўғри; «бир юзлама», бир томонлама] *кам қўлл.* Бир томонига пардоз берилган, бир томонлама. *Якрўя газлама. Якрўя рўмол.*

ЯКСОН [*ф.* یکسان – тенг, бир хил, ўхшаш] *эск. кт.* Бир, бирга, бирликда. *Кимники инсон десанг, инсон эмас. Шаклда ҳам феълда яксон эмас.* Алишер Навоий. *О, она табиат! Сен билан яксонман.. Жоним ширинлиги.. тириклиги сендан.* А. Мухтор.

Яксон бўлмоқ *ёки* **ер билан яксон бўлмоқ** Бутунлай йўқ бўлмоқ, тугатилмоқ (бузиб, емириб ва ҳ.). *Чангал солган бало яксон бўлди.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Иккинчи, учинчи бомба хаталарга тушди. Бир неча уй ер билан яксон бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **(Ер билан) яксон қилмоқ (***ёки* **этмоқ**) Бутунлай йўқ қилмоқ, тугатмоқ. *Уруш Украинанинг нене асрий гўзал ва шинам шаҳар ва қишлоқлари, нодир маданий ёдгорликларини яксон қилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Белоруссиянинг шаҳар, қишлоқлари ер билан яксон қилинган эди. Лекин тезда шаҳарлар тикланиб олинди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЯКСОНЛАМОҚ 1 *кам қўлл. айн.* **яксон қилмоқ** *қ.* **яксон.**

2 Пайҳон қилмоқ.

ЯКТАК [*ф.* یکته – бир қават, астарсиз кийим] Узун, кўкрак олди очиқ, эркаклар кўйлаги. *Бўз яктак қичитар, Яхши хотин тинчитар.* Мақол. ▬ *Яктак ва чопонининг очиқ ёқасидан кўриниб турган кенг кўкраги совуқ таъсиридан қизарган эди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Чанг ва тердан ҳосил бўлган кирни яктак этаги билан юзидан сидириб ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Яктак тўн *шв. айн.* **яктак**. *Оёғига кўн этик, эгнига чий алакдан яктак тўн, қалами иштон берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯКТАКЧАН Фақат яктак кийган, яктак билан. *Куз кириб, ҳаво салқинланганига қарамай, Тешабой ташқарисида яктакчан, сарпойчан юрган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯКТАН [*ф.* یکتن – яккаю ягона; ёлғиз, ноёб] Фикри, мақсади бир хил, бир танбир жон; ҳамжиҳат, аҳил. *[Тантибойвачча:] Шарт шу: бундан кейин ҳар хусусда мен билан яктан бўлиб ишласангиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯКТО [*ф.* یکتا – бир, биргина, ёлғиз; тенги, ўхшаши йўқ] *кт. кам қўлл.* Ҳеч ким, ҳеч нарса тенглашолмайдиган, тенги йўқ, мисли кўрилмаган; ягона. *Ёш Ниёзни севибди бир қиз – Қизларнинг энг яктоси ёлғиз.* Ҳ. Пўлат. *[Ўзбек ойим Зайнабни] Чиройлиликда танҳо, ақллиликда якто топиб.. ўғлига «хотин бу бўлибдир!» деган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен ёр, дедим.. Мана мен, деб шеърдан боқди якто юрак.* У. Азим.

ЯКУН [*а.* یکون – сўнг, охир; натижа] **1** Бирон нарсанинг охири, тугаш, охирига етиш қисми. *Мусобақа якунида ғолибларни шарафлаш маросими бўлди.* Газетадан.

2 Хулоса, натижа. *Ўқув йилининг якунлари. Мунозараларнинг якуни. Ишнинг якуни.* ▬ *Ҳар бир туп ғўзани ўстирдинг силаб, Етмоқ ниятида порлоқ якунга.* Э. Раҳим. *Сенинг севгинг ҳам, менинг оилам ҳам, бутун халқимиз бахти ҳам шу урушнинг якунига боғлиқ.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

Якун топмоқ Натижаланмоқ, натижага етмоқ; охирига етмоқ; йўқ бўлмоқ. *Мазмунки, олам-олам зўр бойлик топди якун.* Ғайратий. **Якун ясамоқ** Хулоса чиқармоқ, якунламоқ. *Умматали уйқудан ногоҳ уйғотилган кишидек гангиб турар экан, майор аниқроқ қилиб якун ясади: -Терговингиз тугади. Бугундан бошлаб озодсиз!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЯКУНЛАМОҚ 1 Хулоса, натижа чиқармоқ, хулосаламоқ. *Маош олмаса ҳам, кеча-кундуз ўтириб, тажрибаларини якунлади. Натижасини директорга ёзиб берди.* С. Нуров, Нарвон. *Мусобақа ишимизга юқори суръат ва сифат бағишламоқда. Мусобақани ҳар куни якунлаймиз.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Муайян натижа ёки хулоса билан адо этмоқ, тамомламоқ. *Ўқув йилини юқори кўрсаткичлар билан якунламоқ.* ▬ *Фабрика квартал ишлаб чиқаришини муваффақият билан якунлаганини, маҳсулот сифати кў-*

тарилганини гоҳ илжайиб, гоҳ писанда қилиб ўқиб берди. С. Аҳмад, Сайланма.

ЯКШАНБА [*ф.* یکشنبه — бир(инчи) шанба; ҳафта куни] Ҳафтанинг сўнгги, еттинчи куни; умумий дам олиш куни; бозор куни.

ЯКШАНБАЛИК Бир якшанба куни жамоа бўлиб, ихтиёрий равишда бажариладиган ижтимоий иш. *Якшанбалик қатнашчилари барвақт тўпланишди.* ▬ *Якшанбалик куни ҳаммамиз машина залини тартибга келтирдик.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЯККАЛАМ [*ф.* + *а.* یکقلم — қалами, ёзуви бир: бутунича, бутунлай, тўлиқ; бирдан]: **яккалам қилмоқ** (*ёки* **этмоқ, айламоқ**) *эск. кт.* Ялписига қўлга олмоқ; бирлаштирмоқ. *Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни яккалам.* Алишер Навоий. *Самарқанд кечмишин айлаб яккалам, Бир мактуб йўлладим Сизга сўнгида.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

ЯЛАБ-ЮЛҚАМОҚ 1 Кўп яламоқ, кўп ялаб тозаламоқ (баъзи ҳайвонлар ҳақида). *Говмиш бузоғини ялаб-юлқади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

2 *кўчма* Ниҳоятда яхшилаб тозаламоқ (хона, ҳовли, асбоб кабиларни). *Нозимахон.. атрофни чинни-чироқ қилиб ялаб-юлқаш билан овора.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

3 Ўта эъзоз билан, айланиб-ўргилиб, жуда эътибор билан қарамоқ, шундай муносабатда бўлмоқ. *Куёвдан ёлчиган қайнона уни ялаб-юлқарди. Тўй-ҳашамларга, лозимандаларга олиб борарди.* С. Аҳмад, Ҳикоялар. «*Маликам, гўзалим, жоним*», *деб ялаб-юлқашларингиз ёлғон экан-да..* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ЯЛАКАТ: **ялакат мағиз** Баъзан бир данак ичида ҳосил бўладиган иккита мағиз, эгизак мағиз, қўш мағиз. *Анорхон билан Собир юмшоқ ва илиқ қанорлар орасига ялакат мағиздай ўрнашиб олиб, суҳбатлашар эдилар.* Ойбек, О.в.шабадалар.

ЯЛАМ *Бир, икки* каби саноқ сонлар билан қўлланиб, нарсани шу сон билдирган миқдорда, шунча ялашлик маъносини билдиради. *Бир ялам асал. Икки ялам қаймоқ.*

ЯЛАМА: ялама туз Йирик, майдаланмаган туз (чорва ҳайвонларига ялатиш учун ишлатилади).

ЯЛАМОҚ 1 Ейиш ёки мазасини тотиш мақсадида бирор нарсага тилини тегизмоқ; тил воситасида оғизга олмоқ. *Асал яламоқ. Бол ушлаган бармоғини ялайди.* Мақол. ▬ *Табиб косадан бармоғига бир оз илаштириб ялади ва дарров туфлаб ташлади: -Заҳар ичибди!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лаган бўшагач, Йўлчи қўлини тортди. Қамбар ланганга бармоқларини ишқаб ялади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Камолхонов.. қошиқдаги юқни ялаб, узоқ тамини олди — ҳақиқатан қатиққа ўхшайди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун.

2 Тозалаш, ҳўллаш ва ш.к. мақсадда тилини суртмоқ. *Янги бўшанган совлиқ қўзисини яларди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Ниҳоят, гапира-гапира қақраган лабларини тили билан ялаб, Лутфинисо жим бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Тегиб, урилиб таъсир қилмоқ (шамол, совуқ, иссиқ ва ш.к. ҳақида). *Ҳаво булут. Изғирин бет ялайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Юзни, кўзни, баданни иссиқ шамол ялайди.* Й. Муқимов, Шарофат. *Пода кетидан юравериб, офтоб ялаган буғдойранг юзлари бир оз тўлишгандай..* Н. Фозилов, Дийдор.

4 Ўз йўналишида нарсанинг сирт қисмини узиб, юлқиб кетмоқ (шамол, сув ва ш.к. ҳақида). *Пойариқнинг ёқасидаги карталарни сел сал қиялаб ялаб кетибди, холос.* И. Мирзаев, Тўйбошилар. *Шамол қумларни учириб, тепаликларни ялаб кетган..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Чап тирсаги ачишиб оғриди: ўқ ялаб кетган бўлиши мумкин.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

Ёғ (*ёки* **мой**) **тушса** (*ёки* **томса**) **ялагундай** *қ.* **ёғ**. **Илоннинг ёғини ялаган** *қ.* **ёғ**. **Оёғини** (*ёки* **товонини**) **яламоқ** Бирор шахсга лаганбардорлик қилмоқ. *Ўзидан кучли кимсанинг товонини ялаб, ўзидан ожиз бечорани хўрлаш, риёкорлик..* С. Сиёев, Аваз.

ЯЛАМСИҚ Очкўз, ебтўймас, очофат. *Яламсиқ бола.*

ЯЛАМУР *шв.* Яламсиқ. *Яламур сигирлар бўлса, иштаҳаси очилиб, ҳаш-паш дегунча хашакни тугатишибди.* «Муштум». *..қонунбузарлик қилиб юрган бу яламурларнинг кирдикорлари фош этилди.* «Муштум».

ЯЛАНГ I **1** Дов-дарахтсиз, иморатсиз; очиқ, бўш. *Яланг ер. Яланг майдон. Яланг қир.* ▬ *Ҳамманглар ҳам яланг далада туғилганмисизлар?* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Атроф яланг, қум саҳроси.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Қумли дўнгликнинг олди ден-*

гиз томон пасайиб, кети яланг текисликка туташади. «Фан ва турмуш».

2 *айн.* **яланглик.** *Аҳмаджон синчиклаб қараса, эҳе.. шунча одам кеча кечаси қаерда экан? Ялангларга, йўлкаларга одам сиғишмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *-Меҳмонларни кутиб ол, қизим. Мана бу ерга жой қил, — деди.. Абдували ота, чайла ёнидаги ялангни кўрсатиб.* Ҳ. Иброҳимов, Оддий кечада.

3 Кийимсиз, яланғоч. *Эгнида бир енги тирсакдан, бир бари тамоман йўқ илматешик бўз яктак.. бош-оёғи яланг.. чолни кўриб, Ғуломжоннинг юраги эзилиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эгнида отигина қолган жулдур яктак, йиртиқ иштон, оёқлари яланг..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Бир қават, енгил, юпқа кийимда. *Ойнисанинг юраги уриб, совуққа яланг чиққандай, эти увишиб кетди: Уруш!.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

5 *айн.* **яланг қават 2.** *Шоирнинг устида яланг қўнғир мовут чакмон.* Ойбек, Навоий.

6 Қиндан чиқарилган; яланғоч. *Қирқ азамат, бўл ҳа-бўл деб, Қилич яланг келаётир.* «Хушкелди».

Яланг қават 1) бир толадан иборат, бир қават. *Яланг қават ип*; 2) фақат аврадан иборат, астарсиз. *Яланг қават тўни тагидан икки қўлини орқасидан ўтказиб, қадам санаб бораётган Маҳкам тақачи кўринди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЯЛАНГ II Ҳамма вақт; ҳамиша, доим, нуқул. *Яланг кулади. Яланг бир хил овқат пиширади. Сиз билан яланг шу ерда учрашиб қоламиз.* ▬ *Катта амалда ишлайдиган одамларнинг болалари ёмон ўқишса ҳам, яланг аъло баҳо қўяди..* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ЯЛАНГЛАМОҚ *айн.* **яланғочламоқ 2.** *Райимбек додхоҳ қилич яланглаб, сипоҳилар олдида оломонга қараб югурди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯЛАНГЛИК Дов-дарахтсиз кенг, иморат қурилмаган; очиқ, бўш ер; текислик. *Кенг ва совуқ ялангликда пахта ташийдиган ўн ғилдиракли юк машиналари қаторлашиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Шомга яқин колхозчилар правление олдидаги яланглиикка тўпланишди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Серёжа тонг ёришаётган пайтда ўрмон ичидаги яланглиикни кесиб ўтди.* А. Раҳмат, Соқов бола.

ЯЛАНГТЎШ 1 Кўкраги (тўши) очиқ. *Хўмрайган ялангтўш чоллар, бурнининг суви оқиб йиғламсираган бола-бақралар..* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Жўра мингбошининг мусодара бўлган ҳовлиси яктакчопон кийган ялангтўш деҳқонларга лиқ тўлди.* Р. Раҳмон, Изидан гул унган.

2 Кўкраги кенг, яғриндор; мард, жасур. *Ялангтўш йигит. Ялангтўш, ижодкор мағрур ўзбекман — Меҳнатим туфайли кўрсатдим жамол!* Шуҳрат. *Гулчеҳранинг ашуласи ялангтўш ва серяғрин одамлар баданини жимирлатар эди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Қирқ беш ёшдагидай мош-биринч соқол, Барваста, меҳрибон, ялангтўш, танти.* Ғ. Ғулом.

3 *кўчма* Сатҳи, бағри бўш; яланг. *Ялангтўш ерлар оппоқ қорларни «тиш»га босиб шимяпти.* Ш. Убайдуллаев, Қишлоқ улуғлари. *Картани ялангтўш қилиб юборганимиз чакки бўлмади-а.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди. *Хайр, қоронғи чангалзорлар, зумрад далалар, ялангтўш тоғлар.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

ЯЛАНМОҚ Яламоқ фл. ўзл. н. *Тўлқин гоҳгоҳ қирғоққа сапчийди, ости яланиб, илдизи очилиб қолган дарахтларни қўпориб, юлибюлқиб кетади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Ит нонни ютди-ю, ердаги увоқларини ялаб, миннатдор бўлиб, болага тикилди, тилини чиқариб, яланиб тураверди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

Ичи яланмоқ Ичи сидирилмоқ, очқамоқ. *[Кампир:] Бай-бай-ей, чолим бечора, ичи яланиб, оч келди-я..* Ойбек, Улуғ йўл.

ЯЛАНСИМОҚ Ёғли, кучли овқатга эҳтиёж сезмоқ, талаб бўлмоқ; ёвғонсирамоқ.

ЯЛАНҒОЧ 1 Кийим киймаган, уст-бошсиз, кийимсиз. *Яланғоч гўдак.* ▬ *Нон қадрини оч билар, Кийим қадрини — яланғоч.* Газетадан. *Фосиҳ афанди, музга яланғоч ўтириб олгандай, сесканиб тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Унинг оёқ яланг, ярим яланғоч шўх болалари.. шовқин-сурон билан ўйнашар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Баргсиз, барги йўқ; барги тўкилган. *Сув ёқалаб ўсган яланғоч дарахтларнинг буток-новдаларида совуқ шамол шувуллайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қуёш новча теракларнинг яланғоч новдаларини чўғдек қизартириб, адир орқасига чўкди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 *кўчма* Дов-дарахтсиз, иморатсиз, гиёҳсиз; яланг. *Яланғоч ер янги чўмилтирилган чақалоқдай буғланади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 *кўчма* Устига бирор нарса тўшалмаган; палоссиз. *Нури олдинроқ юриб, саҳни яланғоч, эни бир бўйра қадар айвонга яқинлашгач.. катта пахмоқ кучук ўрнидан турди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мендан бошқа одам турмайди шекилли, каравотлар яланғоч, матраслар йиғиштирилмаган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

5 *кўчма* Кийишга кийими йўқ; уст-боши хароб; камбағал, қашшоқ. *Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўкасиз, бу деб сўкасиз, бас-да, шунча хўрлаганингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Қинсиз, ғилофсиз; қин, ғилофдан чиқарилган (баъзи курол-яроғлар ҳақида). *Хон Ҳасаннинг қиличи қўлида яланғоч..* «Ҳасанхон». *Бир қўлида яланғоч наган, бир қўлида фонарь.* «Гулдаста».

ЯЛАНҒОЧЛАМОҚ 1 Уст-бошини бутунлай ечиб олмоқ, яланғоч қилмоқ, ечинтирмоқ. *Болани яланғочламоқ.* ▬ *Йигит белигача яланғочланиб олганидан хижолат бўлиб, қизга гуноҳкорона кўз ташлади.* Э. Самандаров, Тангри қудуғи.

2 Эгар-жабдуғини, абзалини ечиб олмоқ. *Отни яланғочламоқ.* ▬ *Аваз қараса, кўса Чўлтоқни яланғочлаб, офтобга ўзини солиб ётибди.* «Авазхон».

3 Шох-шаббасини, шох-бутоқларини кесиб ташламоқ; очмоқ. *Йўлчи катта тўнкани яланғочлаб, илдизларини, йўғон томирларини болта билан уриб, ердан айирар экан, ўзидан ўн беш-йигирма қадам нарида турган бир қизга кўзи тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Қинидан, ғилофидан чиқармоқ, уриш, чопиш ёки отишга шайламоқ (баъзи қурол-яроғлар ҳақида). *Қилич(ни) яланғочламоқ.* ▬ *Илгари очиқчасига пичоқ яланғочлаб юрганлар энди пичоғини енг ичига олган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Майна маузерни яланғочлаб, йўлда тўхтатган эски извош ёнида от бошини тортиб турарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

5 Шипшийдам қилмоқ, бўшатмоқ. *Уйни яланғочламоқ.*

ЯЛАНҒОЧЛИК 1 Яланғоч ҳолат. *Биз, санъаткорлар, яланғоч хотиннинг суратига қарар эканмиз, хотиннинг яланғочлигидан эмас, унинг тасвир қилинишидан завқ оламиз.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Кийими йўқлик. *Очлик кўчага чиқарар, Яланғочлик уйга киритар.* Мақол.

3 Қашшоқлик, очлик, муҳтожлик. *Нега булар [пулни] ўз билгиларича бермайдилар? Қишлоқда ўз жиянларининг оч, яланғочлигини билса керак эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯЛАТМА Жуда юпқа қилиб солинган. *Тўнга ялатма қилиб пахта солинди.*

ЯЛИНМОҚ Ўтиниб, илтимос билан сўрамоқ, илтимос қилмоқ; ёлвормоқ. *Яна қаттиқроқ йиғлаб юборди Шоқосим ва йиғи аралаш Ёрматга ялинди: -Энди хўжайиндан бир оз пул қарз келтириб беринг.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Гофир:] Ҳой бўрилар! Сўзларингдан қайт! Бўлмаса, ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қиламан, халққа!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ЯЛИНЧОҚ 1 Ялиниш ҳис-хусусияти кучли, ялинаверадиган. *Ялинчоқ бола.* ▬ *Бу ерга келганларнинг ҳаммаси ялинчоқ, дуогўй бўлиб қолганликлари сабабли, иккала адвокат ҳам бу «дуо»ларга парво қилишмади.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

2 Ялиниш ифодали. *У [Шаҳзода] дугонасининг қўлини қисиб, ёлғиз қолдириб кетаётганидан кечирим сўрагандек, ялинчоқ назар билан унга бир тикилди-да, одамлар орасига шўнғиди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *-Бир илтимос, тўрт қаторгина, — деб ялинчоқ овозда такрорлади у.* Н. Аминов, Суварак.

ЯЛИНЧОҚЛИК Ҳадеб ялинавериш, шундай одатга, хислатга эгалик, ялинчоққа хос хатти-ҳаракат. *Танзила бу сўзларни шу қадар мулойимлик, ялинчоқлик билан айтдики, Шерали беихтиёр тўхтаб, қиз томон ўгирилди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Амма ялинчоқлик билан Шокирга: «Гапир, гапир!» деб турган бўлишига қарамай, у гапирмади.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЯЛЛА [*ф.* یللی (ялали, яллали) — бекорчилик; хурсандчилик, айшу ишрат чоғидаги оҳ уриш] **1** Рақс билан ижро этиладиган енгил ва шўх қўшиқ, ашула. *Ўйнашиб, тўйтўйлашиб, айтиб қўшиқлар, яллалар, Қилгали аҳду никоҳни келди меҳмонлар букун.* Ҳабибий. *Ичкари ҳовлида эса бой хотин-*

ларининг дутор чалиб, ялла айтаётганлари эшитилар эди. С. Аҳмад, Оқпадар. *Араваларда, отларда, пиёда кетиб бораётган ёшу яланг, қарию қартанглар суюнчлари ичларига сиғмай, ялла айтишади.. кулишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Базм авжида. Халқ ҳофизлари Ж. Султонов, М. Узоқов, Ҳалимахоним яллaсига Мукаррамахоним ва Тамарахонимлар рақсга тушарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Ялла қилмоқ 1) енгил ва шўх қўшиқ айтмоқ. *Ўрмонжон Қурбон ота билан Сидиқжонни созандалар ялла қилаётган даврадан топди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) *кўчма* вақтини ўйин-кулги билан ўтказмоқ, беғам ва бепарво юрмоқ. *Алла, жоним, алла, ҳозир ишлашга палла, Йиғимтеримларни олиб, сўнгра қиламиз ялла.* «Қўшиқлар».

ЯЛЛА-БЕПАРВО Ҳеч нарса ташвишини қилмайдиган; беғам. *Ялла-бепарво одам.*

ЯЛЛАЧИ Тўй-томошаларда қўшиқ айтиб, ўйинга тушиб юришни касб қилиб олган шахс (асосан аёллар ҳақида). *Тошкентнинг донг чиқарган яллачилари шўх, жонли қўшиқ — «Олмача, аноринга балли. Боғу бўстонингга балли»ни куйлаб, гулхан теварагида рақс этадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯЛЛАҚАМОҚ *с.т.* Ёрлақамоқ. *Дамирнинг стипендияси яллақаганда уч-тўрт кунга етарди.* «Шарқ юлдузи». *От кишнайди аллақайда, Турсун турди апил-тапил. -Худо ўзи яллақайди, — деди момо, гўё кафил.* Т. Тўла.

ЯЛЛИҒ 1 Аланга, ёлқин. *Лампанинг кучсизгина яллиғи шабадада лип-лип этиб, айвон олдинигина ёритиб турди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сал ўтмай душман мудофаасининг уфқида устма-уст яллиғ кўтарилди, кейин гумбурлаш эшитилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Бирор иссиқлик манбаидан уфурувчи ҳарорат; тафт. *Саратон жазирамасида тандирдек қизиган ернинг яллиғи гупиллаб юзга урилади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Тандирдан чиқаётган яллиғ унинг ҳам бетларини қизартириб юборган.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 *кўчма* Тафт, ҳарорат. *Қўчқорнинг ҳазин куйи, юрагининг яллиғи теккан сўзлари [Шербек] қулоғига аниқ эшитилаётгандек туюлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Қизариш, шишиш. *Томоғининг яллиғи батамом қайтганини кўриб, профессор унга томоқ безини олдириш учун ўз клиникасига йўлланма берди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЯЛЛИҒЛАМОҚ *айн.* **яллиғланмоқ**. *Кўмир яллиғлади. Печка яллиғлади. Чипқон яллиғлаб турибди.*

ЯЛЛИҒЛАНИШ 1 Яллиғланмоқ фл. ҳар. н.

2 Организмнинг зарарланган (лат еган, жароҳатланган..) жойида қизиш, қизариш, шишишдан иборат оғриқли жараён. *Ичак яллиғланиши. Ўпка яллиғланиши.* ■ *-Доктор назоратида, кунлар ўтган сари жароҳатдаги яллиғланиш қайтиб, оёғим ердан енгил кўчадиган бўлиб қолди, — деди Ҳамро.* Н. Сафаров, Тирилган одам.

ЯЛЛИҒЛАНМОҚ 1 Аланга чиқармоқ, тарқатмоқ; алангаланмоқ. *Аллоннинг мойли кўзи қоронғида Сулувни қидирар, ўчоқда олов яллиғланганда уни топиб, билагига, тўшига тармашар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Дарвоза олдида турганлардан бири.. мисдай яллиғланиб турган қуёш айланасига ишора қилди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Чўғдай қизариб турмоқ, ёнаётгандай кўринмоқ. *Лекин машъала ёлқинидан қизарган парда ҳамма томондан яллиғланиб кўриниб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Қизиб, қизариб шишмоқ.

Яраси (*ёки* **жароҳати) яллиғланди** 1) яраси, жароҳати газак олди; 2) *кўчма* дардалами зўрайди. *Бугун унинг [Адолатнинг} бутун эски жароҳатлари яллиғланадиган кун, у бунга тайёр бўлиб, жинчироққа тикилиб ўтирарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЯЛЛО 1 *айн.* **ялла.** *Девсифат киши яллосини тўхтатди-ю, жамоатга қараб ҳайқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Савлатингга, ғайратингга қойилман! — деган яллони айтиб қўяди, гўё бу билан ўзининг муваффақиятига жар солади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ўйин-кулги, хурсандчилик. *Биласизку ишимни. Ҳамма вақт ялло, ўзим хон, кўланкам майдон.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

Ялло қилиб юрмоқ Ҳеч бир иш қилмай, ҳеч нарсага қарамай, вақтини ўйин-кулги, хурсандчилик билан ўтказмоқ. [*Холмирза*] *Валининг анчадан бери хотинини ташлаб қўйиб, касалманд онасига сув ҳам томиз-*

май, боши оққан томонда ялло қилиб юрганини эшитганди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЯЛМОН *шв.* Каламуш.

ЯЛМОҒИЗ 1 *миф.* Халқ оғзаки поэтик ижодида кенг тарқалган, ўта хунук қари кампир сифатида тасвирланадиган, дуч келган ҳамма нарсани еб-ютиб юборадиган афсонавий махлуқ; жодугар. *Ялмоғиз кампир.* ▬ *Кунботарда бир ёвуз Дев бор эмиш, ялмоғиз.* Ҳ. Олимжон.

2 *кўчма* Ҳамма нарсани еб-ютадиган, қуритадиган; юҳо. *Долларга топинган ялмоғизларнинг Қонли хуружига чек қўйинг тезроқ.* Уйғун. *Бу ялмоғиз қашшоқликнинг заҳарли томирлари ўз ризқини қаердан ва қандай олишини яхши билиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯЛОВ *кт.* Байроқ, туғ. *Зафар яловини олиб келишингизга ишончим комил, дўстим Абдураҳмон.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ҳазрат, яловни кўтариб олсакми?* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *..баланд пештоқда қўндирилган сербар-узун ялов саросима оғушидаги меҳмонларни хушвақтлик билан ичкарига чорлади.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ЯЛОВБАРДОР *кт.* **1** Байроқ кўтариб борувчи; байроқдор. *[Моҳидил] Ҳақиқий яловбардор сингари ўзи сафнинг қоқ марказида туриб, икки қанотни баб-баравар жангга бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *кўчма* Бирор соҳада ёки ишда бошқаларни бошлаб борувчи илғор шахс. *Усмон Носир ўз сафдошлари.. билан адабиётимизнинг олдинги сафларида яловбардор бўлди.* Т. Тўла, Фавқулодда талант соҳиби.

ЯЛОВДОР *айн.* **яловбардор.**

ЯЛОВКАШ *эск. айн.* **яловбардор.**

ЯЛОҚ 1 Ит, мушук каби ҳайвонларнинг овқат ейиши учун белгиланган идиш. *Ит ялоғи.* ▬ *Ҳалиги тўртта ит сурувдан нарироқда тилларини чапиллатиб, ялоқдан овқат ичмоқда.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўша куни у [ит] ҳовлига қайтиб, ялоқдаги ювиндини шалоплатиб ичди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Оғзи кенг (баъзи идишлар ҳақида). *Тоғора, жом, шунақа оғзи ялоқ идишларда у ер-бу ерга сув қўй..* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Усубали ёғоч ялоқда сув келтириб ичирди, юзига сув сепди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *айн.* **ялоқи.** *Ўпка, жигар, буйрак, талоқ, Ҳаммадан ҳам Ҳамид ялоқ.* «Бойчечак».

4 *шв.* Чуғурчуқ, қораялоқ.

ЯЛОҚИ Кишиларнинг сарқити билан кун кечирадиган; ювиндихўр, текинхўр. *Сен ўша маккор ялоқи эшон кетидан юриб, нима каромат кўрдинг?* Ҳ. Назир, Сув гадоси – оқпадар.. *Ташвишим сенга тушмай қўя қолсин. Тегсам ҳам, сендақа ялоқига тегмайман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу муттаҳам ялоқилардан унинг ўлса ўлиги ортиқ!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЯЛОҚХЎР *айн.* **ялоқи.** *Аммо чор ҳукумати ва унинг маҳаллий ялоқхўрлари.. унинг бу ишларига тиш-тирноқлари билан қарши чиқишди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЯЛПАЙМОҚ 1 Ёйилиб япалоқланмоқ, япалоқ бўлмоқ. *Болға зарби билан темир ялпайди.* ▬ *Темирнинг бир учи ялпайиб, кулчадай бўлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 (*-б, -иб* *қўшимчали рвдш. шаклида* – ялпайиб) Ўзини эркин, «ёйилиб» тутган ҳолда. *Бир хил йигитлар от устида ялпайиб.. ияги титраб, ўзи қалтираяпти.* «Нурали» *Лўлининг эркагидай ялпайиб ётаверасизми..* Н. Аминов, Суварак. *Салласининг ранги ўчиб кетган.. заҳил юзли бақалоқ мулла наматда ялпайиб ўтирибди.* С. Сиёев, Аваз.

ЯЛПАНГЛАМОҚ *шв.* Ялинмоқ, ялиниб-ёлвормоқ; лаганбардорлик қилмоқ. *Очил ўзининг унга муштоқ эканини билдирмайди, ўзини ерга урмайди, ялпангламайди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЯЛПИ 1 Ҳаммага тегишли, умумий. *Ялпи сафарбарлик.* ▬ *Баъзан жамоа шўроси ҳам ялпи мажлисларини шу ерда ўтказарди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Аъзоси бўлди бу ҳам Ялпи ҳаётнинг, Ишга солди, ростлади Синган қанотни.* Ғайратий.

2 Ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, бутунича; ҳамма, умумий. *Бирлашма квартал планини ялпи маҳсулот бўйича анча ошириб бажарди.* «Ёшлик» *..йиғим-терим якунлари, яқин ўтмишда бўлганидек, ялпи натижа бўйича эмас, балки олинган толанинг сифати бўйича баҳоланади.* Газетадан.

3 *айн.* **ялписига.** *Халқни ялпи кўтариш керак.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сарбозлар ялпи ўқ узиб келмоқдалар.* «Шарқ юлдузи».

ЯЛПИЗ Тиббиёт, атторлик ва озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган, сербарг хушбўй кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. *Ёв-*

войи ялпиз. ▬ *Рисолат отин.. боғдан бир этак кўкат: кашнич, жамбил, райҳон, ялпиз, отқулоқ юлиб чиқиб, кўк шўрвага уринди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЯЛПИЗЛАМОҚ 1 Ялпиз солмоқ (суюқ таомга). *Маставани ялпизламоқ.*

2 *кўчма* Ўзини оқлашга, айбини ювишга уринмоқ; ҳолатни юмшатиш, текислашга уринмоқ. *-Хайр, қарилик қурсин, қизим, хафа бўлма, майли, қаҳрамонча иш тут, — деб ялпизлай бошлади Зокир ота Зебога.* А. Муҳиддин, Зебонинг севгиси. *Унинг кўзлари катта очилиб, бутун умидлари пучга чиққан одамдай, бўшашиб ўтириб қолди, уни бу аҳволда кўриб, шошиб қолдим, кейин ялпизлашга тушдим.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ЯЛПИСИГА *айн.* **ёппасига.** *-Лекин, ука, Туркистон ўлкаси қоронғида, ҳаммамиз ялписига саводсизмиз, бунинг чорасини излаш керак, — деди Умарали чойдан ҳўплаб.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ялписига пахтага муккасидан кетиш оқибатида яйловлар, мева-сабзавотлар экиладиган майдонлар камайиб кетган.* Газетадан.

ЯЛПОҚ Ясси, ёйиқ, япалоқ. *Халилийнинг рапидадек ялпоқ, қорамтир бетига кулги ёйилди.* Газетадан. *Назар ялпоқ куракни қўлига олиб, илжайганча, Ҳайдарга қараб им қоқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЯЛПОҚЛАМОҚ Уриб ёки босиб, ясси, ялпоқ ҳолга келтирмоқ, япалоқламоқ. *Металл парчани ялпоқламоқ.*

ЯЛПОҚЛАНМОҚ 1 Ялпоқламоқ фл. мажҳ. н.

2 *кўчма кам қўлл.* Ёлвормоқ. *Букун тағин йиғиси ошиб тушди. Ҳайтовур, ялиниб, ялпоқланиб, аранг ҳаммомга юбордик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯЛТ *тақл. с.* Бир маротаба, қўққисдан юз берган (кўринган) нурни (ёруғликни) билдиради.

Ялт этиб 1) кутилмаганда, бирдан нур чиқариб, ярқираб; ялтираб, товланиб. *Чироқ ялт этиб ёнди. Чақмоқ ялт этиб сўнди;* 2) *кўчма* кутилмаганда, кескин, бирдан. *Маҳбуба ялт этиб юзимга қаради.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Ниҳоят, хаёлига ялт этиб бир фикр келиб қолди.* «Гулдаста». **Ялт этмоқ** Бирдан нур пайдо бўлмоқ, кўринмоқ. *Қоронғиликда бир нарса ялт этди.* ▬ *Ой нурида ялт этар-у, Ҳуштак чалар ҳавода.* Ҳ. Даврон.

ЯЛТИЛЛАМОҚ *с.т.* Ялтирамоқ. *Скамейкаларнинг оқ қовурғаси офтобда ялтиллайди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Деворлар оқланган, поллар ойнадай ялтиллар, бўёқ ҳиди анқиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЯЛТИРАМОҚ Ялт-ялт қилмоқ, ярқирамоқ. *Шамширдек ялтираган чақин чўлнинг олисларигача ёритади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кенг яйловда тўшалиб ётган қор уюмлари.. ой шуъласида ялтираб туради.* О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши. *Қум зарралари қуёш нурида товланиб ялтирарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЯЛТИРБОШ 1 *с.т.* Сочи тўкилиб кетган, сийқабош, тепакал. *Ҳамро Раҳимов тўладан келган, ўрта бўй, ялтирбош, буғдойранг, қирқ ёшлардан ошган киши эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 *бот.* Асосан қумли чўлларда ўсадиган, барглари қуёшда ялтираб кўринадиган бир йиллик бегона ўт. *Офтоб тиғида эрта тонгдан шомгача силкиниб, ярқираб товланган ялтирбош, ялтироқ тусини ўзгартиб, қизғимтир нурга кўмилди.* Й. Муқимов, Қизилқум паҳлавони.

ЯЛТИРОҚ 1 Ялт-ялт қиладиган, шу даражада тиниқ. *Ялтироқ шиша. Ялтироқ танга. Ялтироқ нарса олтин бўлавермайди.* Мақол. ▬ *Икки қулоғига офтобни узиб олиб қўйгандек ялтироқ зирак таққан бир қиз кирди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Элмуроднинг назарида, бу ялтироқ кўзларда бутун бир алам ёниб турганга ўхшади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Пичоқнинг қора сопи ялтиллар эди, тиғи эса қотиб қолган қон билан ўз ялтироғини йўқотган.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 *кўчма* Бўёқли, бежама, юзаки. *У [Машҳадий] султонларни, бекларни пучак, лекин кўз қамаштиргич ялтироқ сўзлар билан мадҳ этмоққа моҳир.* Ойбек, Навоий. *Чунки сен муҳаббат боғлаган эркак сенга ўзининг ялтироқ қирраларини кўрсатади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Усти (*ёки* **сирти**) **ялтироқ — ичи қалтироқ** *қ.* **уст.** *Сирти ялтироқ — ичи қалтироқ бу уйлардаги камчиликларни бартараф этиш илинжида устаси фаранг қурувчилар бошлиғига учрайвериб, оёқларимизда дармон қолмади.* «Муштум».

ЯЛТОҚ Лаганбардор, хушомадгўй; тилёғламачи. *Садр ялтоқ кейинги кунларда ти-*

лини шу қадар ширин қилган эдики.. Й. Шамшаров, Тошқин.

ЯЛТОҚЛАНМОҚ Лаганбардор бўлмоқ, хушомадгўйлик қилмоқ. *Раиснинг эрталаб менга ялтоқланиб, «акаларча» меҳрибонлик қилишларидан мақсади эса оғриқнинг олдини олиш, босиб келаётган тошқинни тўсиб қолиш экан.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Карима опа.. гуноҳкор кишидай, ялтоқлана бошлади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ЯЛТОҚЛИК Ялтоқ шахсга хос хатти-ҳаракат. *У ўрнидан андак қўзғалди ва ялтоқлик билан ўзини оқлай бошлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЯЛТ-ЮЛТ *тақл.с.* «Ялт» ва шунга яқин нур, ёруғликни билдиради. *Осмонда юлдузлар минг-минг, лиқ тўла.. Бир хили баъзида учади бирдан, Чақмоқлар сингари ялт-юлт ўйноқлаб.* Қ. Муҳаммадий. *Ялт-юлт қуёш кузак чечакларидаги, каҳрабо чиройга ғарқ чинор баргларидаги шабнам — марварид доналарини симириб улгурмаган ҳам эдики..* С. Азимов, Икки дил — икки олам.

Ялт-юлт қилмоқ Ялт-юлт нур чиқармоқ, таратмоқ. *Пиёлалар ўн икки шамлик кумуш қандил ёруғида ялт-юлт қилар эди.* М. Осим, Элчилар. *..қишлоқ тепасида ялт-юлт қилиб чақмоқ чақди-ю, бир оздан кейин момақалдироқ гумбурлади.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

ЯЛЧИМОҚ *шв.* Ёлчимоқ. *Чучварани хом санама, мендан ялчиб алимент ололмайсан!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ЯЛ-ЯЛ Нур сочиб; товланиб; жилоланиб. *Атлас кўйлаклар машъалдек ёнарди ял-ял.* Шукрулло, Икки ҳикоя. *Бўстон, устида ял-ял учиб ўтаётган сунъий ер йўлдошига қарар, юраги дук-дук урарди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. -*Эртага ҳаво очиқ келар экан, — деб қўйди Ҳайитбой ота, ял-ял товланаётган шафаққа тикилиб.* Газетадан.

ЯЛҚАМСИҚ Бирор ишга астойдил ёпишмайдиган, ялқовлик билан ҳаракат қиладиган; эринчоқ. *Ялқамсиқ одам.*

ЯЛҚОВ 1 Ишлашни ёқтирмайдиган; ишёқмас; дангаса. *Ялқов ва ғирром ё қўли эгри бўлса, силлиқлик билан ҳайдайман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўлма ялқов, оч кўзингни, орқада қолмоқ уят.* Ҳабибий. *Улар [болалар] ялқов, йиғлоқи, серуйқу эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *зоол.* Марказий ва Жанубий Америкада тарқалган, дарахтда яшайдиган, кам ҳаракат кичик сутэмизувчи ҳайвон.

ЯЛҚОВЛАНМОҚ 1 Бирор ишни бажаргиси келмай турмоқ, ялқовлик билан ҳаракат қилмоқ. *[Нури] Худди меҳмонга келган такаббур келиндек, ялқовланиб [ҳовлида] кезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кучук секин бир «ҳов» билан жим бўлди, ялқовланиб, яна ётди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **ялқовлашмоқ.** *Чунки Махдум мактаб ишида ялқовланиб, Анварга суяниб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шунинг учун ялқовланиб кетган бу яшамагур, овқатини ҳам олиб келиб бериш керак.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ЯЛҚОВЛАШМОҚ Бутунлай ялқов бўлиб қолмоқ, ялқовлик касб этмоқ. *Жуда ялқовлашиб кетибсан, оғайни..*

ЯЛҚОВЛИК Ялқовга хос хислат, хатти-ҳаракат; кайфият. *Ялқовликнинг охири хўрлик.* Мақол. *Меҳнат кишини боқар, ялқовлик ўтга ёқар.* Мақол. ▬ *Башорат хола қаршисида уй ишига ялқовлиги билан онасини хуноб қилаётган енгилтак Олимжон эмас, балки оғир табиатли, мўмин бир бола тургандай эди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

Ялқовлик қилмоқ Ялқов ҳолатида бўлмоқ, дангасалик қилмоқ. *Бош тортиб ўқишдан, қилсанг ялқовлик, Сўнгра, болам, кўп пушаймон қиласан.* Фозил Йўлдош ўғли.

ЯЛҒАРС *шв.* Йирик, беўхшов, қўпол. *Жўра ошнасининг ялғарс гавдаси, шоп мўйловига нафратли кўзларини узоқ қадаб турди.* Ҳ. Назир, Онаизор.

ЯЛҲАК *шв.* Соддадил, хуштабиат, хушфеъл; ёқимли. *Ялҳак аёл. Ялҳак бола.* ▬ *Норқўзи бува.. Шавкатжон билан Низомжоннинг ниҳоятда билимдон, ялҳак, шалдир-шулдур, лекин қизлардай майин йигитлар эканини.. сўзлаб берди.* А. Муқимов, Ғалати одамлар. *Устанинг.. очиқ, ялҳак муомаласидан, тўғриси, эриб кетдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЯЛҲАКЛИК Ялҳакка хос хатти-ҳаракат; соддадиллик; хушфеъллик. *[Кумуш] Юзини четга бурди: -Ялҳакликни қўйинг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯМАБ-ЯСҚАБ Йиртиқ, узуқ, камтик ва ш.к. жойларни бутлаб, яроқли ҳолга келтириб. *Кампир эса кўйлак-иштонимни ямаб-ясқаб берди.* Ғайратий, Ёшлигимиз. *Ғайрат*

қилиб тешик новни Ямаб-ясқаб тузатмаслар. Ш. Раҳмон. *Асли, алмисоқдан қолган бу шалоқ араванинг соғ жойи йўқ.. Бердибой у ёқ-бу ёғини ямаб-ясқаб, бозор-ўчаргаю, қозон-товоқ орасида миниб юрар эди.* «Гулдаста».

ЯМАМОҚ Бирор нарсанинг йиртилган, узилган, тешилган жойини бутунламоқ; уламоқ, ямоқ солмоқ. *Ботинкани ямамоқ. Ямасанг, янги бўлар, янгининг тенги бўлар.* Мақол. ▬ *Йўлчибой ўлгурни яхши дейишарди, ўзим ҳам яхши кўрардим. Кирини ювдим, ямоғини ямадим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯМАШМОҚ 1 Ямамоқ фл. бирг. н. *Балиқчилар кун бўйи елкан ва тўрларни ямашди.*

2 *кўчма* Қўшилмоқ, бирлашмоқ. *Бир-бирига ямашган бинолар.* ▬ *Кўча-кўчаларга тушиб, Кўпаяверди ямашиб..* «Гулшанбоғ».

ЯМЛАМОҚ 1 Чайнамай, оғиз ичида айлантирмоқ, милки билан эзмоқ. *Овқатни ямлаб ютмоқ.* ▬ *-Икки юз таноб! — дея Полвонга қаради нон ямлаётган Иброҳим ота.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Эътибор опа.. ёнида иштаҳа билан толқон ялаб ютаётган Тўлқиннинг тимқора сочини силади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Янга охурдаги емини ямлаб ютаётган сигирга қаради.* С. Нуров, Нарвон.

2 Лаб, милклар орасига олмоқ. *Абдуқодир қаттиқ ғазабланди, бир неча минут тутақиб, дағал қизғиш мўйловининг учини ямлаб, бошини тебратди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ойшабону бошламоқчи бўлган гапдан чолнинг ҳам хабари бўлса керак, соқолининг учини ямлаб туриб, бир ижирғанди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Санобар газетанинг бир четини ямлаганча, хаёл суриб қолди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

3 *кўчма* Домига тортмоқ; ютмоқ. *Олов ёниб, ямлайди ўтин, Декча тинмай биқирлар, тошар.* З. Обидов. *Орқасида қора кул қолдириб ўт-аланга юмалайди, янтоқларни ямлайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..машина лентани тортиб ямлай бошлайди, кейин пилта ўраб чиқаради.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

Гапни (*ёки* **сўзни**) **ямламоқ** Гапни (фикрни) тўла ва аниқ айтмай, узуқ-юлуқ ифодаламоқ, чайналмоқ. *-Гапни ямламанг, — деди Ўктам ҳосилотга тикилиб.* Ойбек, О.в. шабадалар. *У сўзини ямлаб, ўғлига қараб қўйди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. **Икки ямлаб, бир ютмоқ** Чайнамай ютиб юбормоқ, йўқ қилиб юбормоқ. *Лайлаквой: -Ҳақ саломинг бўлмаса, икки ямлаб, бир ютардим.* «Эртаклар». **Ямламай ютадиган** *салб.* Ўринлатадиган, қойил қиладиган. *-Вой Тўламат тушмагур-эй, ёлғонни ямламай ютасан-а! — ичаги узилгудек қотарди кекса ўроқчи.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЯМЛАНМОҚ 1 Ямламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Лекин у.. заҳар-заққумга тўлган илон оғзида бир-икки ямланиб, суяклари мажақланган чумчуқдай бир нарсага ўхшарди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Гапни очиқ-аниқ айтмай, узуқ-юлуқ ифодаламоқ; чайнамоқ. *-Чекканим ғанимат, — деди Али тажанг ямланиб, сўлагини оқизиб.* Ойбек, Қуёш қораймас. *..домла, гапнинг учини йўқотиб қўйдими ё фикридаги ошкор зиддиятдан хижолат тортдими, ямланиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯМОҚ 1 Бирор нарсанинг йиртилган, тешилган, узилган жойини ямаш, бутунлаш учун мўлжалланган бир парча мато, чарм ва ш.к. *Шимининг тиззаси билан ўнг чўнтагининг тагига ямоқ солинган эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Плансиз, муваққат уйлар, зар либосга бўз ямоқ сингари, қалъа ҳуснини бузиб турибди.* Газетадан.

2 Ямоқ солинган, ямоқли жой. *Шерали, жилла бўлмаса, битта ямоқни бекитмоқчи бўлиб, қўйлагини шимининг устидан туширди.* С. Кароматов, Олтин қум. *У отасининг чанг босган бўйнига, чопонининг елкасидаги ямоқларга назар солди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Ямаш талаб этадиган, ямаладиган нарса, буюм. *У энди вақтининг кўпини ҳар ким келтирган ямоқларни ямаш билан ўтказа бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ямаш, ямашга оид. *Ямоқ ишлари сийраклашгач, ювилган кийимларга дазмол босишди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

5 Ямоқ солинган, ямаб тикилган; ямалган, ямоқли. *Ямоқ кўрпа. Ямоқ тўн. Ямоқ этик.* ▬ *Айвон устунига суяниб турган ола-була ямоқ чопонли бир бола келиб, унинг олдига тушди: -Қани, юринг, муллака!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тиззаси ямоқ шимни торлик қилиб қолгунча кийиб юрди.* У. Икромов, Унутилмас хотиралар.

6 *кўчма* Тузалган яранинг изи, чандиқ. *Юзнинг ямоғи.* ▬ *Меҳмоннинг бошида қан-*

дайдир тиртиқ, ямоқ доғлар, соч чиқмаган жойлар ҳам бор эди. У. Исмоилов, Сайланма.

7 *кўчма* Кам-кўстни, камчиликни тўлдирган нарса. *Ёмонга ёмон бўл, Яхшига ямоқ бўл.* Мақол. ▬ *Пахтадан келган ҳаён чорвага ямоқ бўлиб кетарди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ЯМОҚЧИ Оёқ кийимларини тузатиш, ямаш иши билан шуғулланувчи косиб. *Уста Абдураҳмон: -Ҳа, Розиқ ямоқчининг қизлари ўқиб, шаҳар сўрармиди!.. - деб уришиб берди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. *Дукчи ёнида ямоқчи косиблар, бирор кимса тиртиқ маҳсими, чурук чориқми кўтариб келармикан, деган умид билан сарғайиб ўтирар эдилар.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЯМОҚЧИЛИК Ямоқчи иши, касби. *-У шаҳардами? Ямоқчиликни билар эканми? — деди Нури.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болтабой қотиб-қотиб кулди-да.. ямоқчилик қилаётган Маллавой акани кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЯМОҚ-ЯСҚОҚ 1 Ямалган-чатилган; эски, чурук. *Ямоқ-ясқоқ кўрпалар.* ▬ *Ямоқ-ясқоқ олача яктаклар.* Ойбек, Навоий.

2 Ямаш, тикиш, тузатиш ишлари. *-Онам яқин ва узоқ маҳалладаги ўзига тўқ кишилар уйига бориб, кир ювиб, ямоқ-ясқоқ қилиб, бизларни боқишга киришди, — деди Пўлат.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

ЯНА 1 Аввал бўлган иш-ҳаракат, нарса-ҳодисанинг такрор юз беришини, бошланиши ва давом этишини билдиради; такрор ҳолда; қайтадан, тағин. *Ёмғир яна ёға бошлади.* ▬ *Лектор.. хатга қараб, жаҳл билан яна бир марта «Ўртоқлар» деди-ю, лекцияни бошлаб юборди.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон. *Уста Фарфи уни яна бир қат кўздан кечириб олгач, чўккалашини бузиб, чордана қуриб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аваз дўконда яна бирпас китоб мутолаа қилиб ўтирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сентябрь тонготарига яқин қолди, яна синфларда ўқувчиларнинг шодон овози жаранглайди.* Газетадан.

2 Бундан ташқари, бунинг устига. *Яна бир сават нон бор.* ▬ *Чойни ичинг, яна олиб чиқаман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Масаланинг яна бир нозик томони бор. Бўғоз совлиқни узоқ ёткизиб бўлмайди: бола ташлайди.* Газетадан. *Ўртоқ Бақоев яна бир пиёла чой сўради.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *[Мирзакаримбой] Бир нафас ўйлаб, яна уч сўмлик қоғоз ва бир сўлкавой қўшиб, Йўлчига ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 (*одатда «бир», «бирор» сўзи билан бирга*) Илгаригилардан бошқа; бошқа бир; янги, бошқа. *Яна бир масала чиқиб қолди. Яна бирор гап йўқми?* ▬ *Хон мактубнинг яна бир жойида шеър битган эди: «Мен Самарқандни сенсиз нетайин..»* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *-Қариган чоғида хўрозқанд яламай домла ҳам ўлсин! — деди яна бири.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

4 *айн.* **янада.** *Шунинг учун қўрбошининг бояги шубҳаси яна кучайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ашула ниҳоясига етди. Лекин бир зумдан кейин яна айни товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда, яна чуқурроқ мавжланишлар, жилвалар билан, кўнгилни яна қаттиқроқ сеҳрловчи ингичка титрамалар ва ранглар билан..* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *юкл.* Таъкид билдиради; тағин. *Яна шўхлик қилиб юрмагин!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Сиз ҳам, эски муаллимга ўхшаб, кетиб қолманг яна!* П. Турсун, Ўқитувчи. *..сен супада ўтир, ўткинчилар яна бир нарсани илиб кетмасин!* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯНАГИ Бундан кейин келадиган; келаси, навбатдаги. *Янаги ҳафта. Янаги сафар.* ▬ *Янаги йил баҳорда икки йиллик отпускани бир қилиб.. борамиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯНАДА Белгининг аввалги ҳолатига нисбатан кучли, ортиқ эканини, шундай бўлишини билдиради; яна ҳам. *Абдусаттор устозига етиб олиши учун техникани янада пухта эгаллаб олиши лозим эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ҳовлининг ичкариси янада бефайз эди.* Н. Аминов, Суварак.

ЯНВАРЬ [*лот.* januarius < Janus — қуёш маъбуди номи (Янус)дан] Янгича йил ҳисобида, яъни Григорий тақвимида 31 кундан иборат биринчи ойнинг номи.

ЯНГА 1 Аканинг хотини (ука ва сингилга нисбатан); келинойи. *-Мен билет олиб бораман, — дейди акаси билан янгасига.* «Гулдаста». *«Янгамнинг ошини мазали қилган акамнинг масаллиғи», демоқчисиз-да.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

2 Ёши ўзига нисбатан катта бўлган аёлга (ўзга аёлга) нисбатан қўлланади. *Буғдой-*

зорда бир кўринг Санам янга кучини. «Шарқ юлдузи». *Сотувчи телпакни олиб, бир пуфлади-ю, чўзди: -Марҳамат. Олинг, амаки, янгам қувонади..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 *этн.* Никоҳнинг иккинчи куни кечаси келин билан куёв хизматида қолувчи икки хотиндан бири. *Янгалар келинни ичкари киритиб, тўй эгалари рўпарасига турғизишди. Сўзамол янга маросимни бошлади.* Р. Раҳмонов, Келин. *Янгалар Кумушни қизларга топшириб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯНГИ I **1** Илгари бўлмаган, энди юзага келган (келаётган, келадиган). *Янги ариқ. Янги технология. Янги девор. Янги завод. Янги йўл. Янги илмий йўналиш. Янги корхона. Янги уй. Янги шаҳар. Янги нав.* ▬ *Тинчликомонлик бўлса, бир кун келиб, янги данғиллама иморатлар солиб ҳам, ҳозиргидай, «шунчалик гап экан-ку», деймиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У дўстларига тунов кунги янги шеърини маъқул қилолганига қувонарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *У Мирмуродовни ҳар кўрганда: -Янгиси борми, эшитайлик, — деб сўрайдиган бўлди.* «Гулдаста».

2 Ҳали тутилмаган ёки жуда кам ишлатилган, асл ҳолатини йўқотмаган; *зид.* **эски**. *Янги кийим. Янги машина.* ▬ *Душанба куни янги банорас тўн ва янги яшил бахмал дўппимни кийиб, идорага бордим.* «Гулдаста».

3 Иш-фаолияти, ҳаёти энди бошланган, бошланганига ҳали кўп бўлмаган; янги қилинган. *Бу ишда у янги, ёрдам бериш керак.* ▬ *У — янги ҳисобчимиз Оқпўлат аканинг яккаю ягона арзанда ўғли.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сатторқул янги раис бўлса ҳам, шошмасдан кўкламни тизгинлаб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ниҳоят, отаси ўз муддаосига етди — қизини янги куёвга топшириб тинчланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ўзаро навбатда аввалгисидан кейингиси; навбатдагиси, эндигиси. *Янги директор. Янги лавозим.* ▬ *Билим масканларида янги ўқув йили бошланди.* Газетадан. *Ҳа, тонгни қаршилаб олса-да такрор, Янги деб атайди ҳар кунни одам.* А. Орипов.

5 Шу йил, шу мавсумга тегишли; шу йилга оид; дастлабки. *Шўрвага янги картошка солинди. Янги буғдойнинг нони.* ▬ *Янги ҳосилни пешма-пеш қабул қилиш ва ундан сифатли тола ажратиб олишга ҳам пухта ҳозирлик кўрилди.* Газетадан.

ЯНГИ II *(урғу олдинги бўғинда) рвш.* Яқиндагина, ҳозиргина *У янги шу ерда эди. Тандирдан янги узилган нонлар.* ▬ *Янги бўшанган совлиқ қўзисини ялайди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ЯНГИДАН *рвш.* Қайтадан, қайта бошдан, бошқатдан, янгитдан. *Мақолани янгидан таҳрир қилиш керак.* ▬ *Гўё бўлиб ўтган можаро янгидан бошланиб, энди Абдурасул даъвогар бўладиганга ўхшар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўм-кўк осмон худди артилган шишадек тиниқ. Гўё олам янгидан яратилган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯНГИЛАМОҚ 1 Айнан бир нарсанинг эскисини янгисига алмаштирмоқ, янги қилмоқ. *Соат пружинасини янгиламоқ.* ▬ *Зеби қайната ва қайнанага вақтида чилим тутиши, чилимнинг сувини тез-тез янгилаб, сархонасини тозалаши лозим эди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. *Меҳриниса, эри идорага бориб келаман, деб чиқиб кетгач, дастурхонни йиғиб, самоварнинг кулини қоқди, сув тўлдириб, оловини янгилади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Борини бошқаси билан алмаштирмоқ; ўзгартирмоқ. *Кафедра мудирини янгиламоқ. Иш жойини янгиламоқ.* ▬ *Ношуд раисни янгилаш зарур бўлиб қолганида, балогардон бизнинг Абдуллажон отага ёпишиб оладилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Аввалгиси (эскиси) ҳам тургани ҳолда янгисини олмоқ. *Кийимларини янгиламоқ.* ▬ *Хулласи калом, ишларим чакки эмас, дўппим яримта. Фақат менда бир армон бор. У ҳам бўлса, хотинни янгилаб олсам.* «Муштум».

Ярасини (*ёки* **дардини**) **янгиламоқ** Тузалган, битган (йўқ бўлган) ғам-ташвиш, нохушликни, дардни қайта қўзғамоқ. *..унинг ярасини янгилаб қўйишдан қўрқиб, ярим йўлгача индамай борди.* К. Яшин, Ҳамза. *Нотиқлар орасида эски дардимни янгилаган молдован ёзувчиси Павил Петрович Бацу бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЯНГИЛИК 1 Янги ҳолат, янги эканлик. *Кийимнинг янгилиги. Раҳбарнинг янгилиги.*

2 Илгари маълум бўлмаган, яқиндагина пайдо бўлган нарса ёки ҳодиса; янги хабар, маълумот. *Фан ва техника янгиликлари.* ▬ *Кандай қилиб бўларди, иш унумини ошира-*

диган янгилик ўйлаб чиқдингиз-ку, яна бир янгилик киритсангиз, анча одам бўшаб қолиши табиий. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Зорқишлоқда ҳар куни бир янгилик, ҳар куни бир мўъжиза юз берарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Сизнинг ана шу янгилик тарафдори эканингизга ҳамма қойил.* Ж. Шарипов, Саодат. *Акрам Адолатни яхши кўради. Қани, марҳамат этиб, мана бу янгиликни эшитинг-чи, ёқармикан сизга.* С. Анорбоев, Оқсой. *Сайфулла кун сайин бир янгилик топиб келарди: -Домла Тоҳирни, Мансурга кўтартириб қўйиб, қамчи билан қуймичига хўп савалади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯНГИТДАН *с.т.* Янгидан. *Иш янгитдан бошланди.* ▬ *Ўша пайтларда янгитдан расм бўлган примус, занжирига тош бойланган осма соатларни Максим бемалол тузата оларди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯНГИТТА *шв.* Ҳозиргина, янгигина; яқиндагина. *Сидиқжон янгитта чиқиб кетибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Омон-эсон мен ҳам янгитта келдим.* Фозил Йўлдош ўғли.

ЯНГИЧА 1 *рвш.* Илгаригиларга ўхшамаган ҳолда, янги усулда, янги тартибда. *Биз янгича ишлаймиз, янгича яшаймиз.* ▬ *Янги супурги янгича супуради, деб тўғри айтарканлар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *У бутунлай янгича кийинган: оёғида ғарчли сариқ ботинка, эгнида кулранг костюм, сочини жуда силлиқлаб, орқасига тараган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *сфт.* Илгаригиларга ўхшамайдиган, янги урф бўлган. *Янгича турмуш. Янгича кийиниш. Янгича муносабат.* ▬ *Абдишукурнинг тили қичиб, янгича тўй ҳақида.. муфассал изоҳ бермоққа чоғланган эди, лекин сўзни Ҳакимбойвачча илиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Абдусамадқори:] Мен бир оз эскича ўқиганман, янгичага ҳали машқим роса бўлган эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЯНГИЧАСИГА *рвш.* Янги йўл, янги усул билан, янги урф-одатларга мос равишда. *[Сидиқжон:] Қуллуқ!.. Биз ит бўлсак, бўйнимиздаги тилла занжирингиз ўзингизга, янгичасига айтганда, мен қизингизни хоҳламайман, эскичасига керак бўлса — уч талоқ қўйдим!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЯНГЛИШ 1 Ҳақиқатга ёки бирор қоидага тўғри келмайдиган ҳолда; нотўғри, хато. *Янглиш гапирмоқ. Янглиш ёзмоқ. Янглиш ҳисобламоқ. Янглиш хулоса.* ▬ *Одамлар бирма-бир патнис олдига келиб: «Номингиз, фамилиянгиз, жойингиз, молингиз» каби сўроқларга, гўё янглиш айтиб қўйишдан қўрққандай, ўйланиб жавоб қайтара бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Танқиднинг чиққани ҳам, газетанинг янглиш келтирилгани ҳам рост.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2 Хато иш; хатолик. *Агрономиядаги янглиш гоҳо дўл, сел, бўрон, қурғоқчиликдан ҳам катта зарар етказиши мумкин хўжаликка.* С. Нуров, Нарвон.

ЯНГЛИШМОҚ 1 Ҳақиқатга ёки бирор қонун-қоидага хилоф иш тутмоқ; хато қилмоқ, адашмоқ. *Ҳисобда янглишмоқ. Бу ҳовлига янглишиб кириб қолибман.* ▬ *-Жияним сўзларидан янглишиб кетсалар, нима бўладир? -Нега янглишсинлар, улар билганларидан ортиқни, албатта, сўзламаслар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Иш-фаолиятда, ҳаётда нотўғри йўл тутмоқ. *Мен бола-чақали одам, янглишиб, йўлдан озиб, сизга уйланган эканман, никоҳимдан чиқдингиз, мени кутманг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Якка қолган Саодат қадрининг поймол этилганидан, янглишганидан тўйиб-тўйиб йиғлади.* «Ёшлик».

ЯНГЛИҒ *кўм. эск.* Сингари, каби. *Лола янглиғ. Олов янглиғ. Шер янглиғ курашди.* ▬ *Рангим сомон янглиғ дард ила ғамдан, Жудоликдан тушган ҳажру аламдан.* Ҳамза. *Негаки мен ўзимнинг севган ва муҳаббат қўйган эримдан бунча уятсизлик, бу янглиғ вафосизлик кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯНГРАМОҚ Кучли овоз таратмоқ, жаранглаб ёйилмоқ, жарангламоқ. *Залда «ура» садолари янгради.* ▬ *Яна узун ва ваҳшатли жанг карнайи янгради.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Ғала-ғовур ичида аллакимнинг баланд овози янгради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯНГРОҚ Янграб эшитиладиган, янграб чиқадиган; янграган. *Янгроқ қўшиқ.* ▬ *Марям тирсиллаган олма сингари, кулгиси кумушдек янгроқ, сапчиб турадиган олов қиз эди.* А. Мухтор, Чинор. *Юксаларкан давримиз янгроқ куйи, Эркин руҳим ўзга куйни қучолмас.* Ғайратий. *Алиохун.. янгроқ овозини*

баланд қўйиб, бирдан куйлаб юборди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЯНМОҚ Айбситувчи гап-сўз айтмоқ. *Сардоров, шахсан берган кўрсатмасини вақтида бажармай, комиссия олдида уятга қолдиргани учун, раисни яниб қўйган.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Соливой қулоғини секин олиб келса, кексалар ҳадеб икковини янишаётган экан.* Ж. Шарипов, Саодат.

ЯНТОҚ Чўлларда ўсадиган, дуккаклиларга мансуб, тиканли кўп йиллик бегона ўт. *Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади.* Мақол.

ЯНТОҚЗОР Янтоқ ўсган, янтоқ билан қопланган ер.

ЯНЧМОҚ 1 Ўрилган ғалла бошоқларини босиб, уриб, эзиб, донни ажратиб олмоқ. *Буғдой янчмоқ. Шоли янчмоқ. Янчиш машинаси.*

2 Зарб билан уриб эзмоқ; майдаламоқ, кукунга айлантирмоқ. *Мурч янчмоқ. Толқон янчмоқ.* ▬ *Чу, десанг тоғларни чоғлар димоғи, Тошни янчар пўлат, асил туёғи.* «Равшан». *Илонни қуйруғидан эмас, бошидан янчадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Оёғости қилмоқ, пайҳон қилмоқ, эзиб ташламоқ. *Ел ортиқча бир ғазаб устида эди, ер юзидаги тиккайган нарсани букиб-янчиб ташламоқчи бўлгандек пишқирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Янчиб ўтар ҳар бир танка бало тоғини, Самолётлар ёғдиради самодан олов.* Ғайратий.

ЯПАЛОҚ Ялпайган, ялпоқ, ясси. *Япалоқ темир. Япалоқ тош. Япалоқ юз.* ▬ *Бўрихўжа ўн бир қатор япалоқ ғишт билан кўтарилган.. қадимий айвонда ўтириб.. хомчўт қилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Азмиддин Талъатбекнинг серташвиш юзига, япалоқ бурнидаги тиғ изига, совуқ кўзларига қараб, ўйга толди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Ёмоннинг кучи япалоққа етар Ўзидан кичик ёки кучсизга озор берувчи кишига нисбатан айтиладиган ибора.

ЯПАЛОҚЛАМОҚ Япалоқ қилмоқ, ялпоқламоқ. *Михнинг учини япалоқламоқ.*

ЯПАЛОҚҚУШ Бойўғли, бойқуш.

ЯПАСҚИ Паст бўйли, пастак, пакана. *Япасқи одам. Япасқи сигир. Япасқи дарахтлар.* ▬ *Анча-мунча юрилгач, чап тарафдаги ясси тоғлар этагида япасқи битта оқ уй кўринди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. *Япасқи олмаларнинг ёмғирда чўмилган хўл барглари гўё «ҳой, уятсиз» деб шивирлар ва юзларига шаппатилар эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йўлдошбойнинг япасқиси ҳам ҳозир унча қамчи талаб қилмайди, жийрондан қолишмай одимлаб боради.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЯПАСҚИЛАМОҚ *айн.* **ялпоқламоқ**. *Абгор бу одам дўпписи жиягини ҳимариб, тарелкасимон япасқилаб, ўтган-кетганлардан.. садақа сўрайди.* Н. Ёқубов, Жон.

ЯПОН 1 Япония асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқнинг номи. *Япон халқи.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли, оид. *Япон тили. Япон йигити.*

ЯПОНЛАР Японияда аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган халқ, Японияning туб аҳолиси.

ЯПОНЧА 1 Японияга, япон халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Японча рақс. Японча қўшиқ. Японча ёзув.*

2 Япон тили. *Сиз японча(ни) биласизми? Японча гапирмоқ.*

ЯПРОҚ 1 Ўсимликларнинг ҳаводан озиқланиш ва газ алмашиниш учун хизмат қилувчи, одатда юпқа варақча шаклидаги асосий вегетатив аъзоларидан бири; барг. *Яшил япроқлар. Кузги япроқ. Гуллар япроқ чиқарди. Дарахт — япроғи билан кўркам, одам — меҳнати билан.* Мақол. ▬ *Ҳадемай карнайгуллар.. ипларга чирмашиб, катта-катта япроқлар отди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Куздан дарак берувчи сарғайган япроқлар йўл устида, ариқ бўйида ётарди.* Ж. Шарипов, Саодат.

2 Бир бўлак юпқа нарса ҳақида. *Бир япроқ қази.* ▬ *Ҳолвафуруш.. токчадаги қалин бир китобни очиб, унинг орасидан бир неча япроқ яп-янги, шалдироқ қоғоз олиб.. узатди.* Ойбек, Навоий.

ЯПРОҚЛАМОҚ 1 Барг чиқармоқ, япроқ ёзмоқ. *Баҳор келиб, дарахтлар япроқлай бошлади.*

2 Юпқа-юпқа қилиб кесмоқ, парраклламоқ. *Гўштни япроқламоқ. Япроқлаб кесмоқ.* ▬ *У қазини ҳар япроқлаганда, пиёлани бўшатган кишининг оғзига ўзи солиб қўяди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Оқсоч рюмка билан унга керак бўладиган закуска [газак] ҳам олиб келди: япроқланиб, бетига шакар сепилган лимон, қовурилган хурмо мағзи.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЯРА 1 *тиб.* Тери ёки шиллиқ парданинг, шунингдек, тери ости тўқималарининг турли сабабларга кўра нобуд бўлган қисми кўчиб, унинг ўрнида ҳосил бўладиган нуқсон.

2 Тиғ, зарб ва ш.к. таъсирида ҳосил бўладиган шикаст; жароҳат. *Ёмон яра. Тиғ яраси. Ярани даволамоқ.* ▬ *У.. граната осколкаси ўнг оёғини ёриб юборган, окоп деворига суяниб типирчилаётган солдат ёнига бориб, ярасини боғлай бошлади.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди. Яра кўкракда, юракка яқин: ундан қуюқ қон ҳали ҳам силжиб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Кучли қайғу, руҳий азоб, алам берувчи нарса; шикаст. *Тиғ яраси тузалади, тил яраси тузалмайди.* Мақол. ▬ *Ғуломжон Эрбўтани калака қилиш учун эмас, ўз қалбида фасод боғлаб ўтган боласизлик ярасига малҳам босиш учун ўйнашиб эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Баъзан [Гулнорнинг] юраги тошиб, бутун дардини, яраларини Унсинга очишни истайди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ақли кирди. Болалигида қалбида бўртган алам яраси йилдан-йилга йиринг боғлаб, фасод йиғa бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан.

Яра устига чипқон Дард устига дард, қайғу-алам устига яна оғирроғи. *Бир маломат шубҳаси ҳали юрагидан кетмай туриб, буниси яра устига чипқон бўлмасин.* Р. Раҳмонов, Келин. **Ярасига тегмоқ** Бирор гап-сўз, хатти-ҳаракат билан кимсанинг унутилаётган ғам-аламини, дардини янгиламоқ. **Ярасига туз сепмоқ** *қ.* **сепмоқ. Ярасини ёрмоқ** Дардини айтмоқ, дилидагини ошкор қилмоқ. *Азизбек, халққа ташаккур айтиб, ярасини ёрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Яраси енгил** Қийин эмас, осон; ҳеч гап эмас.

ЯРАДОР Жароҳат олган, жароҳати бор; ярали. *Ярадор солдат. Енгил ярадор. Оғир ярадор.* ▬ *Ўлган, ярадор бўлганларга қарамай, қўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, «тошбўрон»ни кучайтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қайилма атрофидаги окопларда ҳам уч киши ярадор бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳадемай шу батальондан ярадорлар кела бошлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЯРАЛАМОҚ *кам қўлл.* Яра, жароҳат етказмоқ. *Елкасини яралади.* ▬ *Дилингни яралаб, дунёни кўзингга қоронғи қилиб қўяди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ЯРАЛИ 1 Бирор жойига яра чиққан, яраси бор; ярадор. *Ярали киши. Юзи ярали. Қўли ярали.*

2 *кўчма* Қаттиқ руҳий азоб берувчи ҳолатли, руҳиятида шундай азоб берувчи нарса бор. *Кўнгли ярали одам.* ▬ *Зайнабнинг ҳам юраги ярали эди, унинг тўйи яқинлашган вақтда, севикли куёв йигит икки кунгина хасталаниб ўлган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯРАЛМОҚ Дунёга келмоқ, пайдо бўлмоқ. *Ҳамма нарса севиниб куйлар, Яралгандек олам севинчдан.* Р. Парфи. *Қайта яралдими бу кўҳна дунё..* «Гулдаста».

ЯРАМАЙДИ 1 Ярамоқ фл. ҳоз.-кел. зам. шакли. *Булар ҳеч нарсага ярамайди. Чап қўли ишга ярамайди.*

2 Дуруст эмас, маъқул эмас. *Энди адолатга қарши хиёнат қилиш ярамайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бунақа оёғости қилиш ярамайди.* «Гулдаста». *Биз қишлоқларни обод қилиш билан хотиржам бўлиб қолишимиз ярамайди.* «Гулдаста».

ЯРАМАС 1 Ярамоқ фл. сфдш. *Бўйнидан бойланган ит овга ярамас.* Мақол.

2 Ахлоқ-одоб, қоида, тартиб меъёрларига тўғри келмайдиган; бўлмағур. *Кайф таъсирида шундай ярамас ишлар қилинадики, терининг қалинлигига қарамай, титрашга тўғри келади.* Газетадан. *Хўш, тарбия ўчоғида қачонгача бу ярамас ҳолат давом этади.* «Муштум»

3 Иши, феъл-атвори ахлоқ-одоб меъёрларига тўғри келмайдиган; ахлоқан нобоп, бузуқ. *Шубҳаю бад олиш, ярамас кимсаларнинг фитнаси бизни подшо қаҳрига гирифтор қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳой, қанақа ярамас боласан, туш томдан. Ҳе, ахлоқсиз!* С. Аҳмад, Сайланма.

4 Шундай хулқ, хислатга эга бўлган шахсга нисбатли ҳақорат учун қўлланади. *Тўхта, деяпман сенга, ярамас! Ҳозир мушукдай деразадан отиб юбораман!* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Кўзимга кўринма, ярамас..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЯРАМАСЛИК 1 Ярамас иш, хатти-ҳаракат. *Балки улар бўлганида, бу ярамасликка йўл қўйилмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шунча кишининг илтимосини ерда қолдириши — ўзи ярамаслик. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ярамас, ярамайдиган эканлик. *Сенинг.. ярамаслигинг ана шу сўзларингдан билиниб турипти.* С. Айний, Қуллар. *Раҳматулла Обидий домлаликка ярамаслиги кўп ўртоқларга маълум бўлса керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЯРАМОҚ 1 Истеъмол учун, ишлатиш, фойдаланиш ва ш.к. учун мумкин, яроқли бўлмоқ. *Бу сув ичишга ярайдими? Қурилишга ярайдиган ёғоч. Бу этиклар кийишга ярамайди.*

2 Бирон ишни бажаришга лойиқ бўлмоқ, ишлатишга хизмат қила олмоқ. *Бу асбобларнинг кўпи ишга ярамайди.* ▬ *Мурғоб отлари қумга ярамайди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бирор ишга яроқли бўлмоқ, қўлидан келмоқ, бажара олмоқ. *Самоварчиликка ярамаптими, ахир?* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Қора йигит столда ётган бир даста пул, тилла соатни олиб, хотинига отди: -Биз бунақа соат олиб беришга ярамаймизми?* С. Аҳмад, Сайланма.

4 Бирор талаб, эҳтиёж учун керак бўлмоқ; асқатмоқ, иш бермоқ. *Кўчада ётган эски тақа, занглаган мих, шунга ўхшаш бало-баттарга кўзи тушса, дарров олар эди. Коримга ярайди бир кун, дер экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўп бўлмаса, озроқ бўлар: рўзғорга, невараларга яраб турса бўлдида.* С. Нуров, Нарвон. *Яхши ҳам Назиржон бор экан, шу бечора кунимга яраб турибди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯРАТГАН 1 Яратмоқ фл. сфдш. *Ахир, мени тўраларнинг тўраси қилиб яратган худо нажот қўлини чўзади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Худо, тангри. *Дардмандларга шифо топиб беради, Таваккални яратганга қилади.* «Баҳром ва Гуландом». *Яратгандан ҳам айланай. Бандасини доим бир томондан қисиб қўяди-да!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЯРАТМОҚ I **Ярамоқ** фл. орт. н. *Бирор кунига яратмоқ.*

ЯРАТМОҚ II Вужудга келтирмоқ, бунёд этмоқ, барпо қилмоқ. *Пахтадан хирмон яратмоқ. Шароит яратмоқ. Имкон яратмоқ. Боғлар яратмоқ.* ▬ *Худо бутун жониворларни яратиб бўлиб, ҳар қайсисига умр улашадиган бўлибди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қирқ кун канал қазиб, водийнинг белига белбоғ бўладиган азим дарё яратдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЯРАТУВЧИ 1 Яратмоқ фл. сфдш. *Тарих яратувчилар.* ▬ *Қуртдан гул, гулдан баҳор, япроқдан асал Яратувчи моҳир боғбон йўқдир онадан ўзга.* Ё. Мирзо.

2 *дин.* Худо, оллоҳ, тангри.

ЯРАТУВЧИЛИК Яратиш, бунёд этиш, вужудга келтириш. *..давримиз кишисининг буюк яратувчилик жасоратини улуғлаш ижодий интеллигенциямизнинг шарафли вазифасидир.* Газетадан. *Зиммага олинган улуғвор марраларни эгаллаш орзусида яшил яйловларда яратувчилик меҳнати жўш урмоқда.* Газетадан.

ЯРА-ЧАҚА Кўп ва турли яралар. *Булар орасида яра-чақаси камроғи Барот полвон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳожи табиб.. яра-чақани малҳам билан даволашини айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЯРАШ 1 Ярамоқ фл. ҳар. н. *Дўст оғир кунда яраши керак.* ▬ *Ҳамшираликка яраш ҳам гапми?* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

2 Уруш-жанжални тўхтатиш; ярашиш. *Бу жанжал яраш билан тугади. Яраш аҳди тузилди.* ▬ *Иккала ҳукмдор яраш битими тузибдилар..* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Олдин уришиб, кейин ярашадиганлар, одатда, бир майизни иккига бўлиб ейдиган жуда қалин дўст бўлиб кетишади.. Қани, Нусратжон, тушинг, Аҳмаджоннинг яраш ошини еб келайлик бўлмаса.* С. Нуров, Нарвон. *Бу сайлов миллий яраш сиёсати, янги сиёсий йўлнинг ғалабасидир.* Газетадан.

3 Яраш (эркаклар исми).

ЯРАША 1 (*ж.к. билан*) *кўм.* Мос келадиган, мувофиқ, лойиқ. *Кучига яраша. Сўзига яраша. Эшагига яраша тушови.* Мақол. ▬ *Аҳли растага ва бойваччаларга яраша дурустгина кийинади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўйда ўзингиз бош бўласиз, худо хоҳласа.. Аввал ўзига яраша бир қиз топилсин.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Бизда илғорлар ишига яраша ҳурматдалигини яхши биласан, — деди Йўлдош Саидга.* А. Мухтор, Чинор.

2 Қиёс, нисбатлаш билан инкор мазмунини ифодалаш учун хизмат қилади. *Беш фарзандим бор. Дарслиги етишмаганига яраша дафтари бўлсайди.* Газетадан.

Ўзига яраша Фақат ўзига тегишли бўлган; ўзига хос. *Зиёбекнинг ҳам ўзига яраша дарди, севгиси, орзуси бор эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Бундай тунда яёв кетишнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЯРАШИШ 1 Ярашмоқ фл. ҳар. н.

2 *айн.* **яраш 2.**

ЯРАШИҚ Мос келадиган, муносиб, ярашадиган; мос. *Юбилей йилига ярашиқ ишлар. Ярашиқ кийим. Исми жисмига ярашиқ. Давримизга ярашиқ одатлар.* ▬ *Ҳа, эгаси ҳам номига ярашиқ эди [деди Сафарали].* М. Исмоилий, Қарс икки қўлдан. *[Комилжоннинг] Бежирим лаблари ҳам ўзига ярашиқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ҳали у замонамизга ярашиқ кўп образлар яратиб, томошабинларни беҳад мамнун этади.* В. Саъдулла, Саҳнамиз фахри.

ЯРАШИҚЛИ *айн.* **ярашиқ**. *Қора шириндан келган бу қизнинг лаблари қалин ва ярашиқли эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЯРАШМОҚ I Ўзаро уриш-жанжални тўхтатмоқ, урушиқсиз ҳолатга ўтмоқ. [*Кумуш:*] *Мен ҳали урушиғлик ҳолдаман, ярашганим йўқ!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унақа олифта бўлса, келмасин эди! Ярашгани келганми? Уй кўргани келганми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Соли сингиллари билан ярашди. Ўртада узилиб қолган алоқа тикланди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ЯРАШМОҚ II **1** Кўриниш, қад-қомат ва ш.к. жиҳатдан чиройини очадиган бўлиб турмоқ; ёқимлилик, кўркамлик бахш этмоқ. *Бу либос сизга жуда ҳам ярашибди.* ▬ *..Оппоқ соқоли хуш қоматига жуда ярашган, ярашгангина эмас, балки унга аллақандай салобат бахш этиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Унга ҳарбий кийим жуда ҳам ярашган ва бутунлай ўзгартириб юборган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Гул ҳам ярашганга ярашар экан. Сизга ярашмабди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

2 Муносиб тушмоқ (кишининг иш-ҳаракат, қилиқ-қилмишлари ҳақида). *Бахиллик иқтидорсиз одамларга ярашади..* С. Сиёев, Аваз. *..ўзини кўрган кишининг кўзи қувнайди, шўхлиги, қўйинг-чи, барча қилиқлари ўзига ярашади.* К. Яшин, Ҳамза. *Ғуломжон севги васвасасига учганини, шаънига ярашмаган қилиқ қилганини энди англади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯРАҚ *тақл.с.* Жуда ёруғ, ялтироқ нур аксини билдиради.

Ярақ-ярақ қилмоқ Шундай нур чиқармоқ, акслантирмоқ. *Ҳаммаси яп-янги.. офтобда ярақ-ярақ қилади.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

ЯРАҚЛАМОҚ 1 Ярақ-ярақ қилмоқ; ялтирамоқ. *Бепоён қор даласи олмос каби ярақлайди.* ▬ *Бухоро устида энди кўтарилган офтоб, мансабдорларнинг камарига ўрнаштирилган рангли тошларга тушиб ярақларди.* Ғ. Расул, Адолат. *Ҳозиргина ёмғир ёғиб ўтгани учун, дов-дарахт япроқлари ярақлайди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Ёруғ-равшан бўлиб кетмоқ, порламоқ; равшан кўринмоқ. *Чироқ ёниши билан уй ярақлаб кетди.*

ЯРИМ 1 Бирор нарсанинг икки тенг қисмидан биттаси, иккидан бир бўлаги, иккидан бири. *Йилнинг ярми. Ноннинг ярми. Қишнинг ярми тугади. Ишнинг ярми битди.* ▬ *Ёни-вери билан қўшилиб, бир танобдан мўл ер қўлга киради. Кейин яхшилаб чопасан. Ярмига сабзи, ярмига картошка экасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ой ҳам қора парда ичидан ярим юзини очиб, ер юзига мўралаб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бутуннинг иккидан бирига тенг миқдор; 0,5. *Ярим йил. Ярим литр ёғ. Ярим метр лас. Ярим килограмм шоколад. Ярим соат суҳбат.*

3 Бир нарсанинг ўртаси, ўрта бели. *Йўлнинг ярмига етганда, машина бузилиб қолди. У ярим кечада етиб келди. Бу тоғнинг ярмига аранг чиқдик.* ▬ *Холисанинг норози овози эшитилди: -Ярим кеча бўлди-ку!* С. Нуров, Нарвон. *Вақт ярим тундан ошган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Тўлиқ эмас, нотўлиқ; чала. *Ярим шаффоф. Ярим қоронғилик. Ярим жиддий. Ярим ҳазил.* ▬ *Унинг оғзи ярим очиқ, сариқ мўйлови юпқа лабининг икки чеккасидан осилиб турарди.* Н. Аминов, Суварак. *Аравага, ундан бошқа, ярим яланғоч, сочлари ҳурпайган бир йигит ҳам ўтирди.* Ойбек, Нур қидириб.

5 Икки хил нарса, модда, ҳодиса ва ш.к. дан ташкил топган, аралаш. *Ярим жун мато. Ярим ипак шоҳи.*

Кўнгли ярим *айн.* **кўнгли яримта** *қ.* **кўнгил**. **Ярим подшо** (*ёки* **пошшо**) *с.т. тар.* Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёни бошқариш учун

тайинлаган, катта маъмурий имтиёзларга эга бўлган ҳокими; губернатор. *Қишлоқда «Бу одамларни сўроқ қилгани ярим пошшонинг ўзи келар эмиш», деган овоза тарқалди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЯРИМАВТОМАТ Бирор туркум ишни киши иштирокисиз ўзи мустақил бажара олмайдиган, тўла автоматлашмаган механизм.

ЯРИМ-ЁРТИ *рвш.* Охирига етказилмаган ҳолда; чала. *Ишни ярим-ёрти қилиб ташлаб кетишдан ёмони йўқ. Бироқ кўпчилик бир овоздан экспедицияни давом эттиришни маъқуллашди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бўлган воқеани Ҳафиза бувисига ярим-ёрти айтиб берди, кампир таҳоратини ҳам унутиб, бақрайиб ўтириб қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЯРИМЖОН Куч-қувватдан кетган; заиф, нимжон. *У [маҳбус] яримжон гавдасини деворга тираб.. узун бармоқлари билан тасбеҳ ўгирарди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ЯРИМЛАМОҚ Ярмига ёки ўртасига етмоқ; ярми кетиб, ярми қолмоқ, ярим бўлиб қолмоқ. *Ҳовуз суви яримлаб қолди.* ▬ *Шу тариқа қиш ҳам яримлади.* С. Аҳмад, Уфқ. [*Дастурхонда*] *Бир шиша ароқ бўшатилган, иккинчиси яримлаган, нон билан мевадан бошқа егулик нарса кўринмасди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Дарс яримлаганда, ўқитувчи бирдан қулоқ солиб қолди.. Аллакимнинг пишиллаётгани баралла эшитилди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЯРИМОРОЛ *геогр.* Ҳар учала томони сув билан ўралган ва фақат бир томондан қуруқликка туташган орол.

ЯРИМТА 1 Бутуннинг иккидан бир қисми, қоқ ярми. *Яримта нон. Яримта тарвуз.* ▬ *Йигит елкадан қопчасини ечиб, яримта ғиштдай нон, икки катта чақмоқ қанд, бир қарича йўғон колбасани олди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *с.т.* Ярим литр ичкилиги бор бутилка; яримталик. *Маннон каттакон бархан салқинида ёнбошлаб ётар, «яримта»ни бўшатай деб қолган эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Олой бозоридан мастава масаллиқ харид қилишди. Зойиржон яримта ароқ олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Дўпписи яримта *қ.* **дўппи**. **Кўнгли яримта** *қ.* **кўнгил.**

ЯРИМТАКИ *шв.* Ярми синиқ, ярми ейилган, яримта бўлиб қолган. *Яримтаки калиш. Яримтаки ғишт.*

ЯРИМТАЛИК 1 Яримга тенг, ярим ҳолатли.

2 *айн.* **яримта 2.**

ЯРИМТА-ЮРИМТА Бутун эмас; яримта ва ундан кичик (синиқ) нарсалар. *Яримта-юримта ғиштлар.*

ЯРИМФАБРИКАТ Чала тайёрланган, яна, сўнгги марта қайта ишланиши керак бўлган маҳсулот.

ЯРИМЧИЛИК *шв. эск.* Ҳосилни тенг бўлиб олиш шарти билан шерикчиликка қилинган деҳқончилик. *Тўранинг «илтифоти» билан Иброҳим ота янги очилган ердан икки танобчасини ижарага — яримчиликка олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР Одатий (хонаки) температурада электр ўтказувчанлиги металларга қараганда кам, диэлектрикларга қараганда кўп бўлган моддалар.

ЯРЛАҚАМОҚ *айн.* **ёрлақамоқ**. *Ўтган йил, худо ярлақаб, ўзимга маҳси тиккан эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯРМАРКА [*нем.* Jahrmarkt — йиллик савдо < Jahr — йил + Markt — савдо] **1** Айни бир жойда ва бир вақтда мунтазам ўтказиладиган катта савдо, бозор. *Фабриканинг ранго-ранг сўзаналари.. дўппиларини.. жуда кўп халқаро ярмаркаларда кўриб, ўзбек халқининг ажойиб санъатига таҳсин ўқишади.* Г. Нуруллаева, Гўзаллик оламида.

2 Савдо ва саноат ташкилотлари, тижоратчилар, ишлаб чиқарувчилар, матлуботчиларнинг асосан кўргазмага қўйилган товарларни улгуржи сотиш ва сотиб олиш мақсадида даврий равишда ўтказиладиган йиғини, қурултойи. *Бу йил ўнинчи майдан ўн бешинчи майгача республикамиз пойтахтида.. улгуржи китоб ярмаркаси ўтказиладиган бўлди.* Газетадан.

ЯРОҚЛИ 1 Муайян талабларга жавоб берадиган, бирор нарсага ёки бирор мақсадда ишлатса бўладиган; ярайдиган. *Экишга яроқли ер. Ичишга яроқли сув. Яроқли асбоб-ускуналаримиз бор.* ▬ *Текширув натижаси тупроқнинг дамба учун яроқли эканини кўрсатиб турибди-ю, лекин у бари бир лаборатория хулосаси эмас-да.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Бирор ишни қилиш қўлидан келадиган, бажара оладиган, бажаришга ярайдиган; лаёқатли. *Ишга яроқли кишилар.* ▬ *Бибинургина бу ердаги ўзга меҳмонлар орасида таржимонликка яроқли эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Яқинда уни [Эркинни] ҳарбий комиссарлик чақириб, комиссиядан ўтказибди, врачлар уни хизматга яроқли топишибди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЯРОҚСИЗ 1 Бирор талабга жавоб беролмайдиган, бирор мақсадда ишлатиб бўлмайдиган, бирор нарсага ярамайдиган. *Ишга яроқсиз материал. Экишга яроқсиз уруғ. Яроқсиз асбоб. Кўчат вақтида экилмаса, яроқсиз бўлиб қолади.* ▬ *300 килограмм нон, хом-хатала пиширилганлиги учун, яроқсизга чиқарилди.* Газетадан.

2 Бирор иш бажаришга қурбсиз; лаёқатсиз. *Аъзамнинг ишга яроқсиз бўлиб қолганини билган хўжайинлари аллақачон унинг думини туккан.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Комиссия уни армия хизматига яроқсиз деб топди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЯРОҒ Ҳужум ёки ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган асбоб; қурол, аслаҳа. *Ботирнинг мушти ҳам яроғ.* Мақол. ▬ *Тинтув вақтида уйингиздан яроғ чиқса, бекорга ўлиб кетасиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Эр йигитни шердил қилади пўлат Яроғи ярқиллаб турса қўлида.* «Муродхон».

ЯРОҒЛАНМОҚ Қуролни қўлга олмоқ, қуролланмоқ. *Яроғланган йигитлар ирғиб туриб, кўчага чиқиб кетдилар.* С. Айний, Қуллар. *Барча яроғланганлар урушга ҳозир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯРОҒЛИ Қўлида қуроли, яроғи бор, қуролланган; қуролли. *Ёвга чиқсанг, яроғли чиқ, ёлғиз чиқма, ҳамроҳли чиқ.* Мақол. ▬ *Ҳовли ўртасида буларни бир тўда яроғли кишилар ўраб олдилар.* С. Айний, Қуллар. *Қушбеги яроғли йигитларни қайтишга буюриб, гуноҳкорларни ювошгина қилиб, ўз олдига чақирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯРОҒСИЗ Яроғи, қуроли, аслаҳаси йўқ; қуролсиз. *Яроғсиз одам. Яроғсиз отряд.*

ЯРОҒСИЗЛАНМОҚ Қурол-асбобларни ташламоқ, қуролсизланмоқ.

ЯРОҒСОЗ Қурол-асбоб ясовчи уста.

ЯРОҒСОЗЛИК Қурол-асбоб ясаш. *Яроғсозлик устахонаси. Яроғсозлик заводи.*

ЯРОҒХОНА Қурол-асбоб, ўқ-дори сақланадиган жой; арсенал.

ЯРУС [*лот.* arcus – букик жой, гумбаз, меҳроб] Томоша залидаги ўрта ёки юқори қаватлардан бири.

ЯРҚ *тақл.с.* Бирдан юз берган ёруғлик аксини билдиради.

Ярқ этмоқ Шундай нур юз бермоқ, ифодаланмоқ. *Баҳор келди, Тун бағрида ярқ этгандай бўлди нур.* Э. Воҳидов.

ЯРҚИЛЛАМОҚ *айн* **ярқирамоқ.** *Ўзи экан ярқиллаган кенг сарой, Одам тушса, бир томоша қилгудай.* «Рустам». *Белида ярқиллар кескир пўлати.* «Маликаи айёр».

ЯРҚИРАМОҚ Нур сочиб, порлаб турмоқ, ярқ-ярқ қилмоқ. *Осмонда тўлин ой ярқираб турибди.* ▬ *Отабек ярқираб чиқиб келган қуёшга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Одатда Мирзакаримбой ўтирадиган меҳмонхонанинг деразаларида чироқ ярқирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нурматвойнинг қўлидаги ўткир болтаси офтобда ярқираб кетар эди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Янтоқлар қорайиб, чақмоқ тошлар ойдинда ярқираб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Пешонаси ярқираган Омади келган, бахти очилган, бахтли.

ЯРҚИРОҚ 1 Нур сочиб, порлаб, чақнаб турадиган; ярқ-ярқ қиладиган. *Ярқироқ юлдузлар.* ▬ *Тип-тиниқ зангори осмон, ер юзи оппоқ, ҳаддан ташқари ярқироқ қуёш.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **ялтироқ**. *Ярқироқ шиша. Ярқироқ идиш.* ▬ *Ўзлари тўйма-тўй юришни, ярқироқ чопонлар кийишни яхши кўрадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чиннидай ярқироқ, ҳаётдай тоза..* Ю. Ҳамдам.

ЯРҒИЧОҚ *шв.* Ёрғичоқ. *Миршаб Абрайқулнинг уйига саҳарлаб борса, бечора ярғичоқда буғдой тортаётган экан.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЯРҒОҚ 1 Жуни тўкилган, ошланган (тери ҳақида). *Шу пайт эгнига ярғоқ теридан камзул кийган, камарига қилич ва ўқ-ёй осган намат қалпоқли бир паҳлавон йигит келиб, отнинг жиловини ушлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Онаси садақайрағочнинг соясига пўстакнинг ярғоғини ташлаб берган эди.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

2 Туки (жуни) тўкилган, тўкилиб ялтираб қолган. *Умримда кўрмаган бир одам келди.. бошида жуни тўкилиб кетган ярғоқ телпак, оёғида чориқ..* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Шу чоқ уларнинг тепасида барвастақомат, қизғиш ярғоқ боши чироқ нурида ялт-юлт қилаётган дароз бир йигит пайдо бўлди.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

ЯСАДОҚ *шв.* Ясамол, ясоғлик. *-Бизникидақа кичкина, ғарибона эмас, катта, чиройли, ясадоқ уй экан, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯСАМА 1 Қўлда ясалган; хонаки. *Ясама пичоқча. Ясама радиоприёмник. Ясама стол.*

2 Асли ўзиники эмас, тайёрланган; нотабиий, сунъий. *Ясама тиш.* ▬ *-Сизга бир оғиз сўз айтиб қўйишимни буюрдилар, — деди ясама соқол-мўйлов ёпиштириб олган Қора Қоплон..* К. Яшин, Ҳамза.

3 Ҳақиқий бўлмаган; ғайритабиий. *Ясама кулги. Ясама ноз. Ясама табассум.* ▬ *Боя жуда самимий туюлган хушчақчақлиги эса энди қандайдир ясама бўлиб кўринди Жабборга.* О. Ёқубов, Учрашув. *Буларнинг ҳаммаси уқувсиз ёш артист томонидан биринчи мартаба биринчи репетицияда бажарилган ролдай ясама чиқди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Асарнинг ясама сюжети, сунъий тили Набижонни ранжитди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

4 *айн.* **қалбаки.** *Газеталаримиз баландпарвоз, сунъий ва ясама материалларга мутлақо ўрин бермасликлари зарур.* Газетадан. *..йиғилишларнинг ҳаммасини ўтказиш мумкин бўлмаганлиги учун, ясама қарорлар ёзиб қўйиш билангина чекланилмоқда.* Газетадан.

5 *тлш.* Ясовчи қўшимчалар воситасида ҳосил қилинган, ясалган. *Ясама от. Ясама сифат. Ясама равиш. Ясама феъл.* ▬ *Содда терминлар ўз ўрни билан иккига бўлинади: туб ва ясама терминлар.* «ЎТА».

ЯСАМАЛИК Ясама, сунъий ҳолат. *Яхши дид.. ҳар қандай қалбакилик ва ясамаликдан нафратланишга даъват этади.* Й. Абдуллаев, Дид-фаросат — фазилат. *Дадамат аканинг сўзлашида.. ясамаликдан нишон ҳам йўқ.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЯСАМОҚ 1 Иш-фаолият, ўйин ва ш.к.га оид нарса (қурол, буюм кабилар) тайёрламоқ, ишламоқ. *Ҳуштак ясамоқ. Арава ясамоқ. Дутор ясамоқ. Тандир ясамоқ. Кетмон ясамоқ.* ▬ *Сизлар учун ясадик жажжи уйчалар.* И. Муслим. *Деҳқончилик машиналарин бу ясаб, Пўлатга зўрлик қиб, йўлга солади.* Фозил Йўлдош ўғли. *Ўроз.. ўзи ясаган кичкина дўмбирасини чала кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бобожоним қўғирчоқлар ясаб берарди..* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 *айн.* **тузамоқ.** *Шолча устига эса кўрпачаларни солиб, дастурхон тузабди.* «Эртаклар». *Жондор вагончи шу уйга ёпишган иккинчи бир кичик уйдан патнис ясаб чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ҳосил қилмоқ (кўриниш, шакл ва ш.к. ҳақида). *Юксак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муаззам яшил чодир ясаган.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Катта майдонда юзлаб аравалар давра ясаган.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

4 Безатмоқ, ясантирмоқ. *Нима учун ҳамма ёқни палаклар, сўзаналар билан ясамадинглар?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 *с.т.* Пиширмоқ, тайёрламоқ. *Куркадан иккитасини сўй, бир кобили қилиб димлама яса.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Лолахон, боплаб битта палов ясай қол.* С. Зуннунова, Янги директор.

6 *с.т. кам қўлл.* Ўзи бирикиб келган сўз билдирган иш-ҳаракатни қилмоқ, амалга оширмоқ маъносини билдиради. *Бу ҳодиса ўзбек халқи ҳаётида туб бурилиш ясади.* ▬ *Чўлга қарши бир атака ясайлик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кумуш гўё Зайнаб устига ҳужум ясайдигандек ҳурпайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 *с.т.* Гап-сўз ва ш.к. билан бопламоқ, адабини бермоқ. *Қуруқ аравани олиб қочаверган эди, кўпчилик олдида роса ясади.* «Ёшлик».

Пашшадан фил ясамоқ *айн.* **пашшани фил қилмоқ** *қ.* **пашша. Якун ясамоқ** *қ.* **якун.**

ЯСАНМОҚ 1 Ясан-тусан нарсалари билан безанмоқ. *Тўйга борадиган хотинлардек ясанмоқ. Кўча ясанган одамлар билан тўлган.* ▬ *У жуда ясанган, билакларида қўш-қўш олтин билагузуклар, бармоқларида бриллиант кўзли узуклар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ойша хола менинг ясаниб олганимни пайқади шекилли, сўраб қолди: -Бир ёққа бормоқчимисиз, ўғлим?* О. Ёқубов, Тилла узук.

2 *кўчма* Гўзал, яшнаган кўриниш касб этмоқ; гўзаллик, чиройга бурканмоқ. *Қуёш-*

нинг зар кокили билан Ясанибди кенг пахтазоринг. Ғайратий. *Олам бирданига ясанди-ю, чамандек яшнаб, нурга кўмилди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЯСАН-ТУСАН 1 Янги кийим, турли тақинчоқ, безак кабилар билан ясаниш, безаниш. *-Эрга тегаётган Гулсум деган ўртоғим-у, ўсма-тасма, ясан-тусанни биз қилдик, — деди Меҳри опа.* А. Эшонов, Дутор. *Ғўладай юм-юмалоқ, семиз бўлса ҳам, ясан-тусанни жойига қўйган.. аёл ичкари кириб келди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Ясанган-тусанган. *Парк оқшомда ясан-тусан одамлар, ранг-баранг чироқлар.. билан тўлиб, жуда катта кўринар экан шекилли, кундузи офтобда алланечук кичрайиб қолганга ўхшарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Олдинги «Волга»нинг ойнасидан ясан-тусан аёлларнинг шодон чеҳралари.. кўринди.* С. Нуров, Нарвон.

ЯСАНЧОҚ *кам қўлл.* Ясан-тусан ҳолатли, ясан-тусанга берилган. *Мармар зинапояларнинг учтасини бир қилиб чопқиллаб тушишлар, ясанчоқ, сергап қизларнинг чулдираши.. бари, бари йўқ.* Мирмуҳсин, Умид.

ЯСАТИҚ *айн.* **ясатиғлиқ**.

ЯСАТИҒЛИҚ 1 Ясатиш жиҳозлари билан безатиб, жиҳозлаб қўйилган; ясатилган. *Ясатиғлиқ хона. Ясатиғлиқ от.* ▬ *Кундузлари Тошхон ясатиғлиқ уйда ёлғиз қолар.* Р. Раҳмонов, Келин.

2 *айн.* **ясоғлиқ.** *[Ёрқиной] Куёв йигит билан ясатиғлиқ стол ёнига келиб ўтирганларидан бери, ичиш у ёқда турсин, туз ҳам тотгани йўқ.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *[Салима] Меҳринисанинг «қўйинг, овора бўлманг», деб жаврашига қарамай, дастурхон ёзди, ясатиғлиқ патнисни қўйди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЯСАТМОҚ 1 Ясамоқ фл. орт. н. *Устага китоб жавони ясатмоқ.* ▬ *Иссиқ кунларда салқинлаш, малика хонимлар билан ишрат қуриш учун «боғи эрам» ясатдик.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Чиройли буюм, безак ва ш.к. билан жиҳозламоқ. *Отни ясатмоқ. Болаларни байрамга ясатдик.* ▬ *Мен бориб, Тўпанисо опамга айтай, у ёқ-бу ёқдан нарса топиб, уйини ясатайлик.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *айн.* **ясамоқ 2.** *Чой қайнатиб, столни ясата бошладим.* Газетадан.

ЯСЛАНМОҚ *айн.* **ястанмоқ**. *Отабек ҳордиқ чиқариб ясланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қизнинг чеҳраси ёришди. «Хайрият!» деди-ю, трубкани илиб, мамнун ҳолда стулга ясланди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЯСЛИ [*р.* ясли, ясля — охур; болалар муассасаси] Уч ёшгача бўлган гўдакларни сақлаб боқувчи тарбиявий муассаса. *Келинлар далада, неваралар боғчада ва яслида; ҳовли жимжит.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЯСМИН [*ф.* یاسمن] *қ.* **ёсуман 1.** *Биз Нил ёқаларида нилуфарлардай очилиб, ясминлардай гуллаб турган бир юракни кўрдикки, бу Мисрнинг қалбидир.* С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак.

ЯСМИҚ Дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик ва унинг дони. *Ясмиқ шавла.*

ЯСОВ *эск.* Саф, қатор. *Улар энди удайчининг «ясовингни сақла!» деб бақиришига қулоқ солмай.. ўзлари олдин ўтишга ҳаракат қилардилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

Ясов тортмоқ *эск.* Сафга тизилмоқ, саф тортмоқ. *Ҳой, қўрғон устидаги азаматлар! Ҳозир бўлингиз, ясов тортингиз, бек келадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қуёш ёруғида мўғуллар ясов тортаётган эдилар.* М. Осим, Ўтрор.

ЯСОВУЛ *тар.* Ўрта Осиё хонликлари даврида: юқори мансабдаги амалдорларга хизмат қилувчи қуролли соқчи, посбон. *Тоҳир хонга қараб югурди, ясовуллар унинг орқасидан келиб, бўйнига сиртмоқ ташлаб, боғладилар.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

ЯСОВУЛБОШИ *тар.* Ясовуллар бошлиғи. *Подшо доно вазирлари, ясовулбошиларига подшо ўтирган жойга «ўтиринглар», деб жой кўрсатди.* «Юсуф ва Аҳмад»

ЯСОВУЛХОНА *тар.* Ясовуллар, соқчилар ва қурол-яроғ турадиган бино ёки махсус хона. *У ясовулхонага кирганда, у ерда ўтирган азиз дўсти Ашир маҳрамни кўриб, ўпкасини босиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЯСОВЧИ 1 Ясамоқ фл. сфдш. *Стол ясовчи. Гувала ясовчи. Пул ясовчи.*

2 *тлш.* Сўз ясалиш асосига қўшилиб, янги сўз ҳосил қиладиган. *Сўз ясовчи қўшимчалар (мас, ишчи* сўзидаги ***-чи*** қўшимчаси). *Феъл ясовчи қўшимчалар (*мас., *ишла* сўзидаги ***-ла*** қўшимчаси).

3 *мат.* Айланма сирт ҳосил қилувчи чизиқ. *Конус ясовчиси.*

ЯСОҚ *тар.* **1** Қонунлар мажмуи; қонун. *Чингизхон ясоғи. Хоразм хонлиги жазо қонунлари ясоғи.* ▬ *Уфадаги Мадрасаи олияда шогирдларга ҳар куни бир соат, жума кунлари кечгача кўчада юришга рухсат этилар, бошқа вақтларда кўчага чиқиш «қатағон ясоқ» эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Жазо. *Сиёсат учун майдонда ясоққа етказиш керак, токи бошқаларга ибрат бўлсин! — деди Узун Ҳасан. «Ясоққа етказиш» халойиқ олдида бошини олиш, деган гап эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЯСОҒЛИҚ Ноз-неъматлар билан тузалган; безатилган. *Ясоғлиқ хона. Ясоғлиқ стол. Ясоғлиқ патнис.* ▬ *Хизматкор чол дарҳол дастурхон ёзиб, даҳлиздан ясоғлиқ баркаш олиб кирди.* М. Осим, Ўтрор. *Биринчи ва иккинчи гуруҳлар ясоғлиқ уйларда ўтиришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯССИ 1 Юза, ёйиқ, ялпоқ. *Ясси тарелка. Ясси қайиқ.* ▬ *Акрамхон йигитни зимдан кузатди: кенг юзи заҳил, кўзлари нурсиз, бурни ясси, қулоғи остидаги ямоғида тиғ ўрни сезилиб турарди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 Ўнқир-чўнқирсиз, текис; юза. *Бригада ерининг бир бўлаги ясси тепаликдан иборат эди.* Туйғун, Йўлдош акани эслаб. *Мана, айланма йўллар ҳам орқада қолди. Яғриндор ясси қир бошланди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЯССИЛАМОҚ Бирор нарсани уриб ёймоқ, япалоқламоқ. *Уста темирни чўққа солиб болғалайди, чўзади, яссилайди.* Ойбек, Болалик.

ЯССИЛИК 1 Ясси эканлик, ясси ҳолат. *Тошнинг яссилиги. Ликопчанинг яссилиги. Ернинг яссилиги.*

2 Ясси, текис ер сатҳи. *Таллимаржон йўл устидаги кичик, кўримсизгина шаҳарча бўлиб, тақир ва яссиликларга жойлашган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЯСТАНМОҚ 1 Оёқ-қўлни узатиб, ётган ёки ўтирган ҳолда ўзини эркин тутмоқ; ясланмоқ. *Кампир диванда ястаниб ётарди.* ▬ *Майсага ястаниб ётган Сувонжон Нигорага ён томондан келиб қўшилган жилғанинг лабини кўрсатди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мана букун қулинг ўргилсин бир хиёбонки, кўланкасида ястангинг келади.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Қўли креслонинг ён суянчиғига ястанган Латифжоннинг иссиқ билагига.. тегай-тегай деб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Ернинг маълум сатҳини қоплаб, эгаллаб ётмоқ, чўзилиб ёйилиб ётмоқ. *Нариги томонда эса, кун нурида қизиган оқ-сариқ қумлар ястаниб ётарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Буларнинг орқасида шакарқамиш, каноп, жўхори ва ҳар нав сабзавотлар билан қопланган кўм-кўк далалар ястанган.* Ойбек, Нур қидириб.

ЯСҚОҚ *қ.* **ямоқ-ясқоқ.**

ЯТИМА [*а.* يتيمه — ота-онасиз қиз] *кт.* Етим қиз. *Ятима қизлар оғзидан биринчи марта эшитган.. шу бир калима сўз унинг қалбини меҳр билан тўлдириб, тўлқинлантириб юборди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЯХ [*ф.* يخ — муз] *айн.* **муз**. *Яхда тойғанмоқ. Айронга ях солмоқ.* ▬ *Ариқ бўйларига атайлаб гўё Яхдан маржон ясаб тақибди биров.* Т. Тўла. *Бизнинг чашмамизнинг сувиданам ширин-а.. кўринглар, ях!* К. Яшин, Ҳамза.

Ях бўлиб (*ёки* **яхман деб) туриб олмоқ** Бирор маслаҳат, йўл-йўриққа кўнмасдан ўжарлик қилмоқ, безрайиб туравермоқ. *-Мен салкам 30 йилдан буён пахтанинг ичидаман. Менга машинанг керак эмас, — деди-ю, яхман деб туриб олди [Ҳожибой ака].* Газетадан.

ЯХАКИЖОН *шв.* Муз қириндисига шинни қўшиб тайёрланган ширинлик. *Баъзан шинни дан яхакижон қилардик.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *..ҳайитлик пулларига обакидандон, нўхатшўрак, яхакижон олиб, мазза қилиб ейишади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЯХДАЙ *айн.* **муздай.** *Бор, ариқдан яхдай лой олиб сурт..* С. Нуров, Нарвон. *Ма, ич, яхдай экан.* С. Нуров, Нарвон.

ЯХДОН [*ф.* يخدان — музхона; музли сув солинадиган идиш; чарм сандиқ] *эск.* Устига гул ва бахя тикилган қизил чарм сандиқ. *Бойга Зубайда эмас, Аҳмадохуннинг қашқар саройи, яхдондаги олтинлари керак!.* К. Яшин, Ҳамза.

ЯХЛАМОҚ 1 Музга айланмоқ, музламоқ. *Ана, айтмадимми, бутун қилган ишинг шунақа. Қишда сабзи яхлаб қолиши билан иши йўқ.* Ойдин, Ўзи монанд. *Қиш чиллада ўрик гуллабди-ю, Саратонда яхлаб қопти сув!* Ойбек.

2 *с.т.* Қаттиқ совуқ емоқ, совқотмоқ; совиб қолмоқ. *Оёқ-қўлим яхлаб кетди. Чой яхлаб қолибди.*

ЯХЛИТ 1 Қисмларга бўлинмаган; бир бутун ҳолда(ги). *Яхлит муз массаси. Яхлит ойнали деразалар. Яхлит пайкал.* ▬ *Яхлит картадаги чигитлар бир текисда униб чиққан.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Нутқимиз яхлит бир оқимдан иборат бўлмай, балки мазмун билан боғлиқ ҳолда бўлиниб-бўлиниб туради.* «ЎТА». *Бир танишим меҳнат отпускасини ҳеч вақт яхлит олмасди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Ягона бир, бир умумий; ягона. *Халқ хўжалигининг яхлит давлат режаси.* ▬ *Султон Жўранинг «Қалдирғоч» эртак-достонида.. тинчлик барча эл-элатларнинг осойишталиги ва бахтли тақдирини белгиловчи энг асосий омил, деган яхлит ғоя илгари сурилади.* «Фан ва турмуш»

3 Йирик (катта) қисмдан иборат; йирик. *Муз қатламларига урилиб, яхлит-яхлит муз парчаларини баландга ирғитаётган снаряд ва бомбаларнинг гумбурлаши тобора даҳшатли.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Элчиев ҳам жамғармасидан яхлитини кўтариб, бозорўчар тараддудига тушди.* Э. Аъзамов, Жавоб.

4 Касрсиз, бутун, йирик. *Яхлит рақамлар.*

ЯХЛИТЛАМОҚ Майда бўлакларни бир бутун ҳолга келтирмоқ; йирикламоқ. *Пулни яхлитламоқ. Рақамларни яхлитламоқ.*

ЯХЛИТЛИК Яхлит ҳолга эгалик. *Обид Жалилов образнинг бадиий яхлитлиги учун унинг бошқа қиёфасини тўғри ва ҳаққоний ифодалаш қанчалик муҳим эканлигини яхши тушунади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

ЯХМАЛАК [*ф.* یخماله – силлиқ, текис муз: музда сирпаниб ўйнаш] Муз билан қопланган; тойғаноқ, сирпанчиқ. *Болалар чана учишган бўлса керак, анҳор устидаги кўприк яхмалак бўлиб кетибди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

Яхмалак отмоқ Муз устида сирпаниб ўйнамоқ. *Менинг бирга ошиқ ўйнаб, яхмалак отиб ўсган бир оғайним бор.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЯХНА [*ф.* یخنی – гўштли қайнатма шўрва; пишириб совитилган гўшт] Тайёрлаб совитиб қўйилган; совуқ, муздай. *Қори муллаваччаларнинг йўл учун пишириб олган яхна гўштларидан оз-моз еб, қувватга кириб қолдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Олис йўл босиб, чўл қувиб келаётган «улуғ»лар ҳам шу чойхонага қўниб, битта яхна кўк чой ичмасдан ўтолмасдилар.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *Дастурхон ёзилиб, бир лаган яхна эт, бир лаган қуймоқ келтирилди.* Ойбек, Навоий.

ЯХОБ [*ф.* یخآب – музли сув; ўта совуқ сув] **1** *қ.х.* Ҳосилдорликни ошириш, шўр ювиш, ерни зарарли ҳашаротлардан тозалаш учун экин майдонига қишда, эрта баҳорда қўйиладиган сув; қавс суви. *Ҳадемай ерларга яхоб суви бериш палласи бошланади. Шўрни ювиш турибди олдимизда.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Яхоб бермоқ Яхоб (суви) оқизмоқ, яхоб сувига бостирмоқ. *Ер ҳайда, совуқ тушди дегунча машиналарнинг ремонтини бошла, ерга яхоб бер..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Боғлар ва токзорларга қишда яхоб берилиши жуда яхши натижалар беради.* Газетадан.

2 *шв.* Музли сув; муздай сув.

ЯХТА [*ингл.* yacht < *голл.* jacht < jagen – ҳайдамоқ, бошқармоқ] **1** *спрт.* Катта ва енгил, елканли ёки елкан-моторли спорт қайиғи.

2 Саёҳат ва спорт ишлари учун мўлжалланган, унча катта бўлмаган кема.

ЯХТАК *с.т.* Яктак.

ЯХТАЧИ *қ.* **яхтсмен.**

ЯХТСМЕН [*ингл.* yachtsman – яхта ҳайдовчи] Асосан яхтада елканли спорт билан шуғулланувчи спортчи.

ЯХШИ 1 Ижобий сифатга эга бўлган, бирор талабга тўла жавоб берадиган, кишига ёқадиган, маъқул бўладиган. *Яхши киши. Яхши от. Яхши баҳо. Яхши гап. Яхши ғоя. Яхши тилаклар Яхши емоқ. Яхши киймоқ. Ўзини яхши тутмоқ. Яхши сўз – жон озиғи, Ёмон сўз – бош қозиғи.* Мақол. *Яхши ошини ер, ёмон – бошини.* Мақол. *Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.* Мақол. *Яхши билан юрсанг, етарсан муродга, Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга.* Мақол. ▬ *[Кумуш] Кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яхши гапириб ҳам кўрди, ёмон гапириб ҳам кўрди, фойдаси бўлмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гулнор, сиз яхши ўйланг, ихтиёр сизда.* Ойбек, Танлан-

ган асарлар. *Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринади.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

Яхши кўрмоқ 1) бирор нарсани, кишини ёқтирмоқ, маъқул кўрмоқ. *Суҳбатни яхши кўради. Озода кийинишни яхши кўраман.* ▬ *Бу камбағал хаста йигитни Йўлчи яхши кўрар, аҳволига кўнгилдан қайғурар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. 2) муҳаббат қўймоқ, севмоқ. *Бир-бирини яхши кўрмоқ.* ▬ *-Ростини айт, муаллим болани яхши кўрасанми? — деб сўради Тожибой қўққисдан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зулфиқор устоднинг қизини ниҳоятда яхши кўриб қолганини дўстига айтиб қўйган эди.* Мирмуҳсин. Меъмор.

2 *мод. с.* Розилик, маъқуллаш маъносини билдиради; хўп бўлади, дуруст, маъқул. *Яхши, ҳозир етиб бораман. Яхши, мен яна ўйлаб кўраман.* ▬ *[Юсуфбек ҳожи:] Яхши. Ваъда ҳам берайин, аммо сен унашмай тур!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Оқсоқол] Ўрнидан турди ва қаттиқ овоз билан: -Яхши.. Бу кишига ҳам «форма»дан берасан, — деди ва шошганича чиқиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯХШИКИ *мод. с.* Ўзи таркибида бўлган гап билдирган нарса, ҳодиса бошқа бир иш, ҳодисанинг юз бериши ёки юз бермаслигига сабаб эканини қайд этади; хайрият, хайриятки. *Яхшики, бизнинг можаролардан қайин отам жуда сийрак хабардор бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯХШИЛАБ 1 Яхшиламоқ фл. рвдш.

2 Аъло даражада, бекам-кўст, жуда боплаб. *Яхшилаб ёзмоқ. Бу гапларни яхшилаб тушуниб ол! Яхшилаб дам олмоқ. Яхшилаб текширинг.* ▬ *Кумушнинг кўнглини яхшилаб очинглар, қизлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёрмат челак билан аравага жуда кўп сув сепди, яхшилаб супурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Боплабсизлар. Яхшилаб таъзирини бериш керак, токи бошқаларга ибрат бўлсин! — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЯХШИЛАМОҚ 1 Бирор нарсанинг сифатини, ҳолатини юқори даражага кўтармоқ, илгаригидан яхшироқ ҳолга келтирмоқ; тузатмоқ. *Ёзувни яхшиламоқ. Ишларни яхшиламоқ. Меҳнат интизомини яхшиламоқ. Экин навларини яхшиламоқ.* ▬ *Ўғли уйлангандан кейин рўзғорни яхшилаб, овқатларни мўл-кўл қилибди..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Яхши сифатлар билан баҳоламоқ, гапирмоқ. *У сизни доим яхшилаб юради. Бировни орқасидан ёмонлаш ўрнига яхшилаган маъқул.*

ЯХШИЛАНМОҚ Яхшиламоқ фл. ўзл. ва мажҳ.н. *Иш сифати яхшиланди. Йўллар яхшиланди. Касалнинг аҳволи яхшиланди.* ▬ *Гулнор ҳозир Нурининг меҳрибончилигига севинди, Эрга тегиб, феъли анча яхшиланибди шекилли, деб ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯХШИЛИК 1 Яхши хислат, хулқ-атвор кабиларга эгалик. *Ҳикоя алоҳида шахсларнинг яхшилиги ё ёмонлиги ҳақида, ё бўлмаса, турмушдаги бирор тасодиф устида ёзилмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тошкентга қайтишда мени ҳам олиб жўнадилар. Чунки яхшилигимни, тўғри, ҳалол ишлаганимни билар эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ихтиёрий равишда бирор кишининг манфаатини кўзлаб иш тутиш, бирор манфаат етказиш; меҳрибонлик; хайрли иш, эзгулик. *Яхшилик қилмоқ. Яхшиликни унутма. Сизга яхшилик хоҳлайман. Яхшиликнинг кечи йўқ.* Матал. *Ёмондан яхшилик кутма.* Мақол. *Яхши одамнинг яхшилиги тегар тор ерда, Ёмон одамнинг зарари тегар ҳар ерда.* Мақол. ▬ *Яхши одамлар ҳамма жойда топилади. Лекин бу бечораларнинг қўлларидан бировга яхшилик қилиш келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йўқ, худди шундай! Лекин мен хотиним билан анча йилдан бери туриб, ундан кўп яхшиликлар кўрганман. Бу яхшиликларнинг ҳар қайсиси кўнглимдан алоҳида-алоҳида жой олган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Яхши эканлик.

ЯХШИЛИКЧА *рвш.* Бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бермасдан яхшилик билан, уришжанжалсиз. *Яхшиликча бу ердан жўнаб қол.* ▬ *-Яхшиликча эгардан туш-у, қўлингни кўтар. Бўлмаса, от устидан телпакдай учираман, — деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қани, тур бўлмаса, чиқиб кет! Яхшиликча жойингни топ!* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ана шунақа-да, ака, биз бир-биримиз билан яхшиликча гаплаша олмаймиз.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ЯХШИСИ *мод.с.* Энг қулайи, мувофиғи, маъқул бўлгани, тўғриси. *Яхшиси, менинг маслаҳатимга киринг.* ▬ *Сен ўчакишиб юрма, яхшиси, қайин отангга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унақа деманг,*

яхшиси, соқолим кўксимга тўкилсин, деб қўя қолинг. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЯХШИЯМ [*асли* яхши ҳам] *с.т.* Яхшики. *Яхшиям, ўзи келмабди.*

ЯША 1 Яшамоқ фл. 2-ш. буйруқ шакли. *Узоқ яша.*

2 *унд. с.* Мақтов-маъқуллашни билдиради; балли, баракалла. *Яшанг, ўғлим, кам бўлманг!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ЯШАВОР *с.т. айн.* **яша 2.** *-Яшавор! — Тўла ўртоғининг юпун пальто тагидан суяги туртиб чиққан елкасига попиллатиб урди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ЯШАМОҚ 1 Маълум муҳлат умр кўрмоқ; ҳаёт кечирмоқ; тирик юрмоқ. *Кўп яшаган билмас, Кўпни кўрган билар.* Мақол. ▬ *Маллахондан бери яшайман, болам, не-не хонларнинг, не-не бекларнинг отларини кўрганман. Не-не отлар ўз қўлимдан ҳам ўтган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғуломжон бу кекса дунёда жуда кам яшаган бўлса ҳам, бошидан жуда кўп уқубатлар кечирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор йўсинда ҳаёт кечирмоқ, бирор тарзда тирикчилик ўтказмоқ; умргузаронлик қилмоқ. *Азобда яшамоқ. Ёлғиз яшамоқ. Ота-онасиз яшамоқ. Роҳатланиб яшамоқ. Тутқунликда яшамоқ. Қул бўлиб яшамоқ. Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб ўлган яхши.* Мақол. ▬ *Масалан, тоғлардаги оҳулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Содиқлар ўз овқатларини ҳам ўтказолмаган ҳолда фақирликда яшаб, йил сайин менга оз-моз ерларидан сотиб, тириклик қилар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ҳаётини бирор жойда ўтказмоқ; бирор жойда истиқомат қилмоқ, турмоқ. *Шаҳарда яшамоқ. Қишлоқда яшамоқ. Мусофирчиликда яшамоқ. Чет элда яшамоқ.* ▬ *Мана ҳозир уч кундан бери бу ерда, опасининг боғида яшайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу қишлоқларда, қўрғончаларда одам яшаганлиги, хурсандчилик, тўй-томоша қилганлиги узоқ ўтмиш тўғрисидаги эртакдай туйилар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. [*Абдишукур] Бу ерда бир татар савдогарнинг хизматига ўтиб, Қозонга кетди. Қозонда уч йил яшади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бирор кимса билан бир жойда бирга (яқини, қариндоши, эри ёки хотини сифатида) истиқомат қилмоқ. *Мен билан яшайдиган кампир бозорчи хотин эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биз икков ёшликдан бирга яшаб келамиз, орамизда махфий сирларимиз йўқ.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мана, уч ойга яқиндир, Нуриниса ўзи кўрмаган, билмаган, ҳатто исмини тўй арафасида келинойисидан эшитган эри билан яшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Мавжуд бўлиб турмоқ, бор бўлмоқ, сақланмоқ. *Мангу яшар шуҳратимиз-шонимиз.* ▬ *Бир неча юз йиллардан бери яшаб, фавқулодда зўрайиб кетган «Хўжа Маъоз» мозорининг чакалаги бу қоронғиликка бир манба каби эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғазаб ичра ўртаб инсонни, Қирғоғига тўкилган қонни Юволмайди! Яшайди бу қон, Унутилмас бу кураш, қурбон.* Э. Раҳим.

ЯШАР Саноқ сонлар ёки «ўрта» сўзи билан қўлланиб, одам ёки ҳайвоннинг шу сўз билдирган ёшда эканини билдиради; ёшли. *Ярим яшар бола. Уч яшар қиз. Олтмиш яшар чол. Ўрта яшар хотин. Беш яшар от. Икки яшар тана. Бу гапни етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма билади.* ▬ *Устанинг шогирди — ўн тўрт яшар Йўлдош — дераза олдида ўтирарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир кун Қудрат сув сепиб тургани устига ўзидан бир яшар катта бўласи ичкаридан ёғоч от миниб чиқиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЯШАРМОҚ *қ.* **ёшармоқ.** *Шаҳримиз кундан-кунга яшармоқда.* ▬ *Ўз элига содиқ киши яшаради, Ишласа, иш суръатин оширади.* «Қўшиқлар». *Сув шимиб яшараётган ғўзалар яйрарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЯШАШ 1 Яшамоқ фл. ҳар. н. *Бу тоқатитоқ, жони темирдан инсоннинг тузалиб кетишини, яшашини, узоқ умр кўришини унинг ўзидан ҳам кўпроқ тилар эдим.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

2 Ҳаёт тарзи, турмуш, тирикчилик. *Яшаш йўли. Яшаши қандай?*

ЯШИК [*р.* ящик < яск — корзина] Нарса солиш, сақлаш учун фойдаланиладиган, одатда тўрт бурчак шаклидаги буюм. *Ёғоч яшик. Темир яшик. Снаряд яшиклари. Чой яшиги.* ▬ *Маҳалланинг баъзи бир ўспиринлари пичоқ билан қопни ё яшикларни тешар, чўнтакларига қўрқа-писа мева соладилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯШИЛ 1 Сариқ билан кўк ранг ўртолигидаги, барг ёки майса рангига эга бўл-

ган ранг. *Яшил баргли ўсимликлар. Яшил парда. Яшил бўёқ.* ■ *Чап томонда тоғ этаклари, ўнг томонда яшил пахтазор, ўртада қишлоқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бошидаги яшил рўмоли қорачадан келган юзини бўғиброқ қўйган бўлса ҳам, ўзига хўп ярашган..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Эркин қушлар дарахтларнинг қуюқ яшили ичидан жонли найларини тинликка қуярди.* Ойбек, Навоий.

2 Яшил рангли ёш майсалар ва ўсимликлар билан қопланган. *Яшил водий. Яшил дала. Яшил қирлар.* ■ *Ўнгроқда, яшил тепа устида қўйлар, қўзилар, эчкилар ўтлаб юрибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЯШИЛЛАНМОҚ Яшил тусга кирмоқ, яшил барг, майса ва ш.к. билан қопланмоқ. *Сал кун ўтмай баҳор жалалари бошланади. Қамишзорлар яшилланади, қирларда лолақизғалдоқлар гулхани ёнади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Соҳилдаги қатор кулранг жийдалар таги, илон изи сўқмоқ ҳам яшилланди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Ҳаким сувчининг даштга эккан маккажўхориси бир қарич бўлиб яшилланади.* Газетадан.

ЯШИЛЛИК 1 Яшил ҳолат, яшил рангли ҳолат. *Ҳовлида жаладан кейинги манзара бошқача: дарахтлар яшиллиги яна ортган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Яшил ранг. *Яшиллик югурган дарахтларнинг учларида илк баҳор қуёшининг олтин шуълалари товланарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЯШИН 1 Атмосферада булутлараро ёки булутлар билан ер сирти орасида пайдо бўладиган жуда кучли оний электр учқуни; чақмоқ. *Яшиннинг кўкимтир ёруғида рўпарадаги уйлар ва ёмғирдан жимир-жимир бўлиб ётган ҳовли бир кўринди-ю, кўздан йўқолди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бир ерда туриб қолсак, совқотиб ёки яшин уриб ўлишимиз аниқдир.* С. Айний, Қуллар.

2 Яшин (эркаклар исми)

ЯШИНМАЧОҚ *шв.* Бекинмачоқ. *Яшинмачоқ ўйнашмоқда гулзорда Бир барно қиз билан жиддий бўз ўғлон.* Р. Бекниёз. *Болаларни излади. Бу, яшинмачоқ ўйини бўлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЯШИН-ТОПАЛОҚ *шв.* Бекинмачоқ. *[Каримов:] Ҳаяллаб ўтиришнинг ўрни йўқ, ука, биз ҳоким эканмиз, истаганимизни амалга оширамиз. Етар энди «яшин-топалоқ» ўйинни, энди улар билан астойдил гаплашмоқ керак.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЯШИРИН 1 *сфт.* Бошқаларга маълум бўлмаган, бошқалардан сир тутилган; махфий. *Яширин йўл. Яширин гап. Яширин қочмоқ.* ■ *..йўл-йўлакай унга бу яширин тўгарак ҳақида баъзи гапларни айтиб берди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ҳали маълум бўлмаган, белги бермаган. *Грипп билан касалланишнинг яширин даври икки-уч кун бўлиб, кейин ўткир даври бошланади.* «Саодат».

3 Аниқ ифодага эга бўлмаган. *Айниқса, нутқий вазият, шароитга қараб қаҳрамонлар тилидан айтилган яширин маъноли сўзлар, луқмалар драма тилида алоҳида ўрин тутади.* «ЎТА». *Бу хушҳол ва очиққўнгил аёлда кўзга яққол ташланмайдиган кучли ирода ва мустақиллик яширин эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 Ҳеч ким билмайдиган, ҳеч кимга маълум бўлмаган. *Сизни кутиб турар оппоқ пахтанинг Бағрида яширин қанча сирли ранг.* А. Орипов. *Бу томонда бор экан яширин сўқмоқ йўллар.* «Ёшлик».

5 *айн.* **яшириқча.** *У ўтирганларга яширин бир назар ташларди.* Газетадан.

ЯШИРИНМОҚ 1 Яширмоқ фл. ўзл. н. *Овчи дарахт орқасига яширинди.* ■ *Гулнор кўрпанинг бир чеккасини бошига тортиб яширинди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кўздан холи, номаълум ҳолда бўлмоқ. *Инсон унинг [тоғнинг] метин бағрида яширинган хазиналарга қўл солган.* С. Аҳмад, Тоғларда. *Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар кимга дод деймиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ЯШИРИНЧА *рвш.* Бошқаларга билдирмасдан, сездирмасдан, махфий равишда; пинҳона. *Яширинча термилмоқ. Яширинча кўз қисмоқ. Яширинча иш тутмоқ. Яширинча қараш.* ■ *Мастура секингина йўрғалаб, уйга борди-да, онасидан яширинча бир сиқим чувилган пахтани қўйнига тиқиб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нури палак остида, ёш аёллар билан қуршалган ҳолда турар.. баъзан яллачиларга яширинча мўралаб қўяр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЯШИРИҚ *айн.* **яширинча.** *Бир вақтлар Нурининг ўртага отган тухмати орқасида Гулсунбиби эри Ёрматдан яшириқ қизнинг

феъли-атворини, юриш-туришини очиқ ва бекитиқ равишда узоқ таъқиб этди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЯШИРИҚЛИК *шв. айн.* **яширин.** *Ширин сўз билан бола ичида яшириқлик ҳамма нарсани билиб олиш мумкин.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ЯШИРИҚЧА *айн.* **яширинча.** *[Шарофат хола] Айниқса, ўғлининг ундан яшириқча ича бошлаганини пайқагач, у сўнгги илинжини ҳам йўқотгандек бўлди.* А. Мухтор, Чинор. *Ўзлари, яшириқча гапим бор, деб қўймадилар-ку.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ЯШИРМОҚ 1 Биров билмайдиган, кўрмайдиган ёки топа олмайдиган жойга қўймоқ, беркитиб қўймоқ. *Калитни яширмоқ. Пулни яширмоқ.* ▬ *Йўлчи учун келтирилган тугунчак ёдига тушди. Уни паранжига ўраб, тахмоннинг бурчагига яшириб қўйган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамлар молини яширса, биз.. мана, кўриб турибсизлар, бир дона гугурт чўпини ҳам остонадан ташқарига чиқармадик.* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари. *Қушбеги жавоб бериш ўрнига, мактубни олиб, кўрпача остига яширди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўринмайдиган ҳолатга олмоқ; пана қилмоқ, беркитмоқ. *Бировдан юзини яширмоқ. Рўмол учи билан оғзини яширмоқ. Бир қўлини орқасига яширмоқ.* ▬ *Раъно ўзига қараб келгувчи Анварга ер остидан кулумсираб олгач, бир оз кўриниб турган оёқ учларини сариқ атлас кўйлаги билан яширди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Яширай деб кўзда ёшини, Қучиб олди қизнинг бошини.* Э. Раҳим. *Элликбоши оломонга қайрилиб, бир қўли билан шиш кўзларини яширган ҳолда, иккинчи қўлини мушт қилиб, дўқ урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Махфий сақламоқ, сир тутмоқ. *Исмини яширмоқ. Мақсадини яширмоқ. Севгисини яширмоқ. Ғазабини яширмоқ. Сирини яширмоқ.* ▬ *Улар ҳар икковлари ҳам ҳаяжонларини яшира олмай, бир-бирларига тикилиб қолишди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. *Жонфиғон буни [ишламаслигини], албатта, талай вақтгача хотинидан яшириб юрибди.* А. Қаххор, Жонфиғон. *Касалингни яширсанг, ўртоқжон, иситмаси ошкор қилади.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ЯШНАМОҚ 1 Барқ уриб ўсмоқ, гулламоқ, гули очилмоқ. *Олдин экилган ғўзаларимиз эса кун сайин яшнаяпти.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Юз очмиш, яшнамиш сумбул ва лола.* Ғайратий.

2 Ўзига тортадиган гўзал ҳолга келмоқ; ёрқинлик, кўркамлик касб этмоқ; гўзаллашмоқ. *Баҳор келиши билан дала яшнар.* ▬ *Эл келтириб ейди пойандоз, Яшнаб кетди ҳовуз бўйлари.* Э. Раҳим. *Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоғда, бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Асрора] кирган уй яшнаб кетади.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 *кўчма* Ривож топмоқ, камолга эришмоқ; авж олмоқ. *[Йўлчи:] Халқ борган сари пачақланаверади, бойлар яшнайверади, негаки илдизи кучимизни сўради-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамларда ғайрат ва ташаббус яшнаб кетди.* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари. *Саидийнинг қалбидаги сўна бошлаган муҳаббат чўғи яшнай бошлади.* А. Қаххор, Сароб.

4 Порлаб, чақнаб, яшнаб кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Юлдузлар чароғон бўлиб яшнамоқда.* ▬ *Қўша-қўша гиламлар яшнаган бу уй, Унсин ёлғиз қоларкан, аллақандай совуқ туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Яйрамоқ, ёзилмоқ. *Янги турмуш боғларида Ёш кўнгиллар яшнасин!* Ҳамза. *Ҳар замон бўл билим ўчоғида, Яшнаган маърифат қучоғида.* Ғайратий. *Паранжини ўт-оташга Ташлаганим-ташлаган, Давлат қуши қўнган бошга, Яшнаганим-яшнаган.* З. Диёр.

ЯШНАТМОҚ Яшнамоқ фл. орт. н. *Яхши парвариш қилиб, кечки ғўзаларни ҳам яшнатиб юбордик.* ▬ *Яшнатдим бўз қирлар, бепоён даштни.* Ғайратий. *Бу бахт Паризод дилини яйратар, чеҳрасини гул-гул яшнатарди.* Х. Аҳророва, Орифнинг давлати.

ЯШНОҚ *кам қўлл.* Яшнаб турган, гўзал, жозибали. *Яшноқ боғлар. Яшноқ далалар.* ▬ *Сурма тортилган чақноқ кўзлари, гулгун яшноқ юзлари, бежирим кийимларидан тортиб, баланд пошнали қора туфлисигача Моҳидил кузатиб чиқди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЯШОВЧАН Яшаш қобилияти кучли, яшаб турадиган. *Яшовчан микроблар. Яшовчан ўсимликлар.*

ЯШШАМАГУР *қарғ.* Умринг қисқа бўлгур, ўлгур. *-Қоч, дейман, аблаҳ, қоч! Нақ*

бўйнингни узаман, — деб ўшқирди амакиси. -Қоч! Яшамагур, қоч! — деб такрорлади шақилдоқ келинойиси. П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳа, яшамагурлар! Бола эмас, бало булар! Тегма гулларга!* С. Нуров, Нарвон.

ЯЪЖУЖ-МАЪЖУЖ [*а.* يأجوج مأجوج — Қуръонда зикр этилган бузғунчи қавм(лар) номи] Диний эътиқодга кўра, қиёмат кунида ўз маконидан чиқиб, оламни босиб олиб, учраган кимса ва нарсаларни ютиб, йўқ қилиб юборадиган икки ёввойи, ваҳший халқнинг номи; афсонавий зўр куч, енгилмас бало. *Билмадим, буёқчининг нили бузилганми ё охир замон яқинлашиб, яъжужмаъжуж хуруж қилганми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Яъжуж-маъжужлардек ёпирилиб келган мўғуллар.. [қалъаларга] мўр-малахдай ёпирилиб кирадилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЯЪНИ [*а.* يعنى – яъни; тўғрироғи, аниқроғи] *боғл.* Гап ёки гап бўлагини унга изоҳ берувчи бошқа жумла билан боғлаш учун ишлатилади. *Мен эртадан кейин, яъни шанба куни, уйда бўламан.* ▬ *Ота-онам орзуси ушалиб, илгариги Назирқул энди Назир афанди, яъни ўқитувчи бўлиб қолган эдим.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ЯҚИН [*а.* يقين – ҳақиқий билим, қатъий ишонч] **1** Оралиқ масофа унча катта бўлмаган, узоқ эмас. *Энг яқин йўл — шу. Шаҳарга яқин бир қишлоқда яшаймиз. Бир-бирига яқин уйлар. Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар.* Мақол. ▬ *Қирғоққа яқин ерда тўрт қозиқ устида каттакон бир қайиқ турар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Тўнкалар жуда кўп, ҳам бир-бирига жуда яқин. Ер эса тош-метин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Нутқ сўзланаётган пайтдан вақт оралиғи унча катта бўлмаган. *Яқин фурсатда дийдор кўришмоқни орзу қиламиз. Яқин келажакда бу ерлар шаҳарга айланади.* ▬ *Ҳа, айтгандай, устоз шу яқин кунларда уруғчилик совхозига келар эканлар. Хат олдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Бирор ҳодиса ёки воқеа юз беришига оз фурсат қолганда, маълум бир вақт келиши олдидан. *Кечга яқин меҳмонлар келишди. Саҳарга яқин йўлга тушдилар. Иш битишига яқин қолди.* ▬ *У энди, иложи бўлса, муносиб кишига Гулнорни ҳозирдан унаштириб, фотиҳа ўқиб, тўй-никоҳни баҳорга яқин ўтказмоқчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўйга яқин қолганда, келин кўчанинг бошидаги ательега кўйлак буюргани келган экан.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

Яқин ўртада (*ёки* **орада**) 1) шу ердан узоқ бўлмаган жойларда, шу атрофда. *Яқин ўртада чойхона борми?;* 2) кўп вақт ўтмасдан, озгина вақт ўтгач. [*Йўлчи:*] *Тоҳир ака, қўйинг сиз табибларни. Менга қолса, маслаҳат шу: мана яқин ўртада баҳор, сиз қирга чиқинг, кўкрагингизга тоза шамол тегади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Дўстона муносабатда бўлган, қадрдон, меҳрибон. *Яқин ўртоқ. Яқин дўст.* ▬ *«Қизиқ одам экансиз», дедингиз. Аммо дўстингиздан, яқин бир одамингиздан тўсатдан шундай гап эшитиш менга, албатта, оғир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Назарида, нотаниш йигит аллакимга, жуда-жуда яқин одамга ўхшатаётгандек.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Меҳмонларни тўй эгасининг яқинлари ҳурмат ва серталлуфлик билан кутиб олишарди.* О. Ҳусанов, Шинаванда.

Ўзини [бировга] яқин олмоқ (*ёки* **тутмоқ**) Кимса билан дўстона муносабат сақламоқ, ўзини шундай ҳолатда тутмоқ. *Мени севадими? Чиндан севадими ёки мусофирликнинг диққинафаслигидан ўзини менга яқин тутиб юрибдими?* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

5 Нимаси билан дир ўхшаш ёки деярли бир хил. *Ҳавоси бир-бирига яқин. Маъноси бир-бирига яқин сўзлар.* ▬ *1287 йилнинг сунбула ойи, яъни эрта кузнинг кўклам ҳавосига яқин бир куни.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

6 Тахминан, қарийб. *Орадан яқин икки йил ўтгандан кейин Авлиёотага Бувайдадан бир одам бориб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бир куни икки кишининг сўроғи яқин тўрт соат вақтни олди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

7 (*3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к. ва ч.к. шаклида* — **яқинига, яқинида, яқинидан**) Кўмакчи вазифасида қўлланади ва макон муносабатларини билдиради. *Раъно келинларча Анварга салом қилди ва жазб қилгандек, Анварнинг яқинига бориб тўхтади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бу икки хоналик уй янги қурилаётган мактаб яқинида..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЯҚИНДА *рвш.* **1** Бундан бир оз аввал. *Яқинда таътилдан қайтдим. Ораларига*

яқинда совуқчилик тушди. ▬ *Отаси бечора бўлса, қанча вақт эл-халқдан номус қилганидан, аллақандай шаҳарга бадарға бўлиб, яқинда келди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиш.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Яқин вақт, яқин кунлар ичида. *У яқинда диссертация ёқлайди. Яқинда бошқа ишга ўтмоқчи.* ▬ *Мусабекларникидан яқинда совчи келармиш.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бу ердан узоқ бўлмаган жойда, шу атрофда. *Яқинда магазин борми?* ▬ *[Мутал:] Яқинда одам йўқми? -Йўқ, қиҳ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЯҚИНДАГИ 1 Бу ердан узоқ бўлмаган жойдаги, шу атрофдаги. *Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши.* Мақол. ▬ *Шу яқиндаги гулзор хушбўйини ўғирлаб келган шабада гуп этиб димоғига урилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У [Шербек] саргузашт излаб, неча марта уйидан қочган, шўрлик онаси гоҳ шаҳардан, гоҳ яқиндаги темир йўл станциясидан топиб келган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бундан бир оз аввал юз берган ёки бўлиб ўтган. *Яқиндаги гап. Яқиндаги воқеа.*

ЯҚИНДАН *рвш.* Яқин масофадан ёки яқин вақт (лар)дан. *Яқиндан бери. Яқиндан бошлаб.* ▬ *Икки ёшнинг ҳозирги ҳолини яқиндан томоша қилмоқчи бўлган туссиз бир юлдуз кўк саҳнининг ерга яқинроқ қисмига учиб тушди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Яқиндан ёрдам (*ёки* **кўмак**) **бермоқ** Амалий ёрдам кўрсатмоқ, бевосита ёрдам қилмоқ. *..ишимизга яқиндан кўмак бериш учун ёрдамчи белгилашди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

ЯҚИНЛАМОҚ *айн.* **яқинлашмоқ**. *Бирбир босиб, илгари елди, Сой бўйига яқинлаб келди.* Ҳ. Олимжон. *Белидан қўлини олмай яқинлаб келди техник.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

ЯҚИНЛАШМОҚ 1 Бирор кимса ёки нарса яқинига бормоқ ёки келмоқ. *Тоққа яқинлашмоқ. Шаҳарга яқинлашиб қолдик.* ▬ *Зайнаб ҳам кулумсираган ҳолда Кумушга яқинлашиб келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У шундай ўйчан, паришон ҳолатда булоққа яқинлашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отлар турган жойга яқинлашганда, отларга қоровуллик қилиб турган икки одам ҳам кўринди.* С. Айний, Қуллар.

2 Бирор иш, ҳодиса ёки воқеанинг юз беришига оз вақт қолмоқ, вақт жиҳатидан яқин келмоқ. *Янги йил яқинлашиб қолди.* ▬ *Вақт хуфтонга яқинлашган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Даҳшатли минутлар нафас сари яқинлашиб қолмоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ой-куни яқинлашмоқ Туғишига оз вақт қолмоқ. *Ғанижон хотини ҳомиладор бўлганда ҳам, болани кўтариб юрганда ҳам, ой-куни яқинлашиб қолганда ҳам, бунга қишлоқда ҳар куни, ҳар ерда бўлаётган ва бўладиган ҳодиса деб қараган эди.* А. Қаҳҳор, Каравот.

3 Миқдор билдирувчи сўзлардан кейин келиб, ўша миқдорга етишга озгина фурсат қолганлигини билдиради. *[Олимжоннинг] Ёши олтмишга яқинлашган бўлса ҳам, одамлар элликдан ортиқ беролмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана, институтни битириб, шу қишлоққа келиб ишлай бошлаганига уч йилга яқинлашди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Дўстона, яқин муносабатда бўлмоқ, дўстлашмоқ. *Сержант Сакен Рамзатовнинг қиз билан яқинлашиб қолиши унинг ғашини келтирди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ЯҚИНЛАШТИРМОҚ Яқинлашмоқ фл. орт. н. *Тошни кўндаланг ушлаб, мен айтганда, бир мартаба чайқаб, бекнинг кўзларига яқинлаштирасиз.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Деҳқонларни бундай мажлисларга яқинлаштириш керак эмас, ажаб эмаски, буларнинг ораларида большевикларнинг тилчилари бўлса.* С. Айний, Қуллар.

ЯҚИНЛИК 1 Яқин ҳолатдалик. *Ғалабанинг яқинлиги. Бозорнинг яқинлиги. Иш жойининг яқинлиги.* ▬ *Отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳой-ҳуйлаши манзилнинг яқинлигини билдирар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Дўстона муносабат, яқин муносабатда бўлиш (*қ.* **яқин 4)**. *Умиднинг «сен» дегани Ҳафизага жуда ёқди — бу жуда яқинлик белгиси.* Мирмуҳсин, Умид. *Бу ҳаммаси менинг Элмуродга яқинлигим туфайли.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Яқин эканлик (*қ.* **яқин 4).** *У билан яқинлигингни биламан.*

ЯҚҚОЛ *рвш.* Аниқ, равшан; ошкора, рўйирост, бараллa. *Тоғлар яққол кўриниб турибди. Нуқсон кўзга яққол ташланади. Яққол мисол.* ▬ *«Йигитлар» орасига кирганда эса, у ўз тақдирининг бутун даҳшатини яққол кўрди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ҳар дам яққол сезиб тураман Маъниларнинг қанотланганин.* Ғ. Ғулом.

ЯҒИР 1 От, эшак, туя сингари ҳайвонлар устида терининг оғир юкдан эзилиши, ишқаланиши туфайли юз берадиган йирингли яра, жароҳат. *Ёли қуюқ эшакдан, яғир бўлган от яхши.* Мақол. *Туя қанча катта бўлса, яғири ҳам шунча катта.* Мақол. ▬ *Йўнғичқапояларга қўйиб юборилган эшакларнинг яғирларини қарғалар чўқимоқда.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Оғир юк ёки зарба туфайли киши елкасида ҳосил бўлган жароҳат, яра. *Яғир этди арқон елкамни, Бадан куйиб, тош бўлди товон.* Э. Раҳим. *Оғир юкда яғир бўлди Оппоқ, нозик елкалар.* Ҳамза. *-Ҳусан — мўмин, қобил бола. Елкаси Самсоқбойнинг қамчисидан яғир бўлган, — деди Арслонқул.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

3 *кўчма* Жуда ифлос, исқирт (уст-бош ҳақида). *Тўппинг мунча яғир бўлиб кетибди.* ▬ *-Яғир ёстиғингизни ерга қўйинг, — деди Холнисо, — байталмонни мунча қучоқлайсиз.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

Яғири чиқмоқ Яғир бўлмоқ (*қ.* **яғир 2, 3**). *-Вой-бў, — деди Умиднинг кенг кўксидаги ёлига, кифтларига ялт этиб қараб қўйган Жанна, — майкангизнинг яғири чиқиб кетибди.* Мирмуҳсин, Умид. *..кеча-кундуз ишлашинг, ишлаганда ҳам елкангнинг яғири чиқиб ишлашинг керак бўлади.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ЯҒМО I *эск.* Талон-торож, бузғунлик. *..Маъмунлар тўплаган олтин-кумушларни яғмо этгаймиз.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЯҒМО II *эск.* Шаҳар, мамлакат, қабила номи.

ЯҒРИН Тананинг икки елка оралиғидаги орқа қисми; курак усти. *Яғрини кенг йигит.* ▬ *Каравот четига ўтириб кийинди, коридорда қизаргунча ювинди, ҳўл сочиқ билан кўкрак, бўйин ва яғринларини обдан ишқалаб, қонини бетга тептирди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кун қизиқ. Офтоб яғриндан уриб туради.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Ҳайвонларда белнинг юқори қисми, икки елка оралиғи. *От.. яғрини талаётган чивинларни думи билан тўзитиб юборар.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Яғринига офтоб тегмоқ Бахти очилмоқ, омади келмоқ. *-Э, хотин, мана бизнинг ҳам қўлимиз узун бўлиб қолди. Ошиғимиз олчи. Пешонамиз ялтираб, яғринимизга офтоб тегадиган бўлди, — деди Остонақул.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ЯҒРИНДОР 1 Яғрини кенг. *Амина опа.. ёши қирқлардан ошиб қолган, эркакнамо, новча, яғриндор хотин эди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *Баланд бўйли, яғриндор, каллахум йигитча кирди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *кўчма* Кенг қулоч ёйган, бағри кенг. *-Ана бу паканага боқинг, паканага, — ота пастаккина, аммо яғриндор олма дарахтига ишора қилди.* Й. Муқимов, Қўшбулоқ. *Бағри кенг жилғалар, яғриндор қирларда яшовчи жониворлар жимгина писиб, йўловчини кузатардилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЯҒРИНЛИ*:* **кенг яғринли** *айн.* **яғриндор**. *У [Рустам] бир вақтлар кенг яғринли, баланд бўйли, паҳлавон эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Кенг яғринли адирлар, полизларда сой тошидай юмалаб ётган қовун-тарвузлар, ғарқ пишган мевали боғларни қўмсаб, кўнгил қуши туғилиб ўсган қадрдон қишлоғига қараб талпинарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЯҲУДИЙ [*а., яҳ.* یهودی < هود — бани Исроил, яъни Исроил авлоди; еврейлар] Тарихан қадимий сомий қабилалардан келиб чиққан, бутун дунёга кенг тарқалган халқнинг номи. *Яҳудий халқи. Яҳудий миллати.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли. *Яҳудий тили. Яҳудий аёл.*

ЯҲУДИЙЛАР Тарихан қадимий сомий қабилалардан келиб чиққан, бутун дунёга тарқалган халқ.



Ў *унд. с.* **1** Бировга мурожаат қилганда, унинг диққатини ўзига жалб этишни билдиради; «ҳой», «ҳей», «эй». *-Ў, телба хотин, нега зарда қиласан, — деди орқасига суяниб, кўзини юмиб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 (*турли даражадаги чўзиқлик билан*) Хурсандлик, миннатдорлик ёки афсусланиш, нафратланиш, ҳайратланиш ҳис-туйғусини билдиради. *-Ў, бу ёрдамингизни сира унутмайман, дўстим.* ▬ *-Раҳмат, ў, раҳмат! — деди Элмурод бойчечакларни олар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Ў, нақадар ваҳшийлик, — деди Саидий.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЎББЎ *айн.* **оббо.** *Ўббў сен-эй, боплабсанку..* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Ўббў, дардисар сумалаг-эй..* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

ЎБДАН *шв.* Обдан. *Бир ярим товоқ мастава, икки чойнак кўк чойни ўбдан ичгандан кейин..* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимга келди.

ЎГАЙ 1 Олдинги эр ёки хотиндан бўлган фарзандлар ҳозирги эр ёки хотинга ҳамда уларнинг қариндошларига нисбатан, шунингдек, ҳозирги эр ёки хотин ва уларнинг қариндошлари олдинги эр ёки хотиндан бўлган болаларга нисбатан. *Ўгай набира. Ўгай ота. Ўгай хола.* ▬ *Ҳафсалам пир бўлиб: -Пешонамнинг шўри қурсин, ўгай бола ҳам насиб қилмаса, — деб йиғлаб-йиғлаб қайтдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чап томондагиси Юсвали тоғанинг ўгай ўғли Аваз, ўнг томондаги Давлатёр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Марасул:] Ўз холам бўла туриб, тўйга келмадингиз-а? Ўгай бўлсангиз ҳам хафа бўлмас эдим.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ўгай қайнана ёши олтмишларга борган, семиз, забардаст, димоғдор кампир эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир онадан туғилмаган ёки бир отадан бўлмаган, отаси ёки онаси бошқа, туғишмаган фарзандлар (бир-бирига нисбатан). *Ўгай ака.* ▬ *[Дилбар:] Ботиржон акамнинг ўгай синглиси бор, оти Адолатхон, шу ўғил туғибди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 *кўчма* Ўзиники бўлмаган; ёт, бегона. *Бобур ўзига улуғ бир мураббий топдим, деб суюниб юрганида, ўгай тақдир уни бу мададкоридан ҳам жудо қилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *«Ўгай» экинларнинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмади.* Газетадан. *Булбул ўгай эрур зоғлар орасида, Югурик сув ўгай тоғлар орасида.* А. Орипов, Руҳим.

Ўгай кўрмоқ (*ёки* **қарамоқ**) *ёки* **ўгай кўз билан қарамоқ** Бегона каби муносабатда бўлмоқ. *Мустамлакачи чор маъмурлари маҳаллий меҳнаткашларни ўзларига ўгай кўрардилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Дангалини айтавериш керак.. авваллари бу машинага одамларимиз ўгайроқ қаради.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Дангал айтишим керак, ўртоқлар, машинага ўгай кўз билан қаровчилар йўлимизга кўндаланг туришиб олдилар.* Газетадан.

ЎГАЙЛАМОҚ Ўгай қарамоқ, ўгайларча муносабатда бўлмоқ. *Уни [келинни] камситишга, ўгайлашга уринган баъзи қайнаналар, шубҳасиз, келгуси кўнгилсизликларга замин яратади.* Т. Ғуломов, Қайнананг яхши бўлса. *Шифобахш мева берадиган қимматли дарахтларни ўгайлаб қўймаслигимиз керак.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎГАЙЛИК 1 Ўгай ҳолат, ўгай эканлик. *Қиз билан бола ўгайликни билмай.. иноқ бўлиб ўйнаб юришибди. «*Олтин бешик».

2 Ўгай кишига нисбатан бўладиган муносабат. *Жувонмарглар ўгайликни билдирди, Душманлик қиб [қилиб], бағрим қонга тўлдирди.* «Ширин билан Шакар».

ЎГИРИҒЛИҚ Бирор тарафга қаратиб ўгириб қўйилган; терс. *Кўча тарафга орқаси ўгириғлиқ пастаккина бир уй, бир айвонимиз бор.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

ЎГИРМА Каштачиликда: безак – гул тикишнинг бир усули. *Тикиши силлиқ эмас: Ўгирмаси чакмага, Санамаси йўрмага Кундош бўлиб тургандай.* Ғ. Ғулом.

ЎГИРМОҚ 1 Асл (турган) ҳолатидан бирор томонга қаратмоқ, бурмоқ. *Раъно юзини четга ўгириб, бошидаги рўмоли билан юзини артди, узун энтикди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *У киргач, хотин бошини ўгириб қаради-да, шу қараганича кўзлари хиралашиб, секин юмилди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Баширжон дарҳол хотинига орқа ўгириб, бармоғини қалин лабларида ҳўллаб олиб, санашга тушди.* Н. Аминов, Суварак.

2 Ўйинда: ошиқ, гугурт каби нарсаларни (бирор ҳолатда, мас, тикка туришини мўлжаллаб) думалатиб, ерга ташламоқ. *Бола ошиқ ўгирди.*

3 Тўй-ҳашам ва ш.к. да қўшиқчи, ўйинчи бошидан пул айлантириб ташламоқ, пул қистирмоқ. *Пулдор хотинлар бир-бирларидан қолмасликка тиришиб, пул ўгирдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *дин.* Азиз-авлиёларга атаб боши ёки устидан пул ёки бирор буюмни айлантириб садақа қилмоқ (бирор эзгу тилакка эришиш учун ёки бирор бахтли ҳодиса муносабати билан). *Маҳалладаги қушноч хотин беморнинг бошидан бир қора товуқни ўгириб.. бир эчкини сўйиб, худойи қилишни буюрди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Офтоб ойим эрининг бу сўзини эшитиши билан Хўжа Баҳовуддин йўлига ўгириб қўйган етти танга пулини Тўйбекага бериб, дарров эшонникига жўнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Таржима қилмоқ. *..оригиналдаги асар лейтмотивини ифодалайдиган дўстлик, қўшиқ, рақс, висол.. сўз ва ибораларни қойил қилиб ўгирган.* «ЎТА». *Асадулла хаёлидаги ўзбекча шеърни форсийга ўгириб ёзди.* «Шарқ юлдузи».

Бошидан сув ўгириб ичмоқ Ўта қадрламоқ, ғоят эъзозламоқ. *Пахтакор билан механизатор ҳар бир янги машинанинг бошидан сув ўгириб ичгудай.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Калима ўгирмоқ** *айн.* **калима келтирмоқ** *қ.* **калима**. *Бурун замонда буларга ўхшаган қарилар эмас, ҳатто ёшлар ҳам калима ўгириб ётар эди, яъни айтмоқчи бўламанки, яшашдан кўра кўпроқ ўлиш тўғрисида ўйлар эди.* А. Қаҳҳор, Йиллар. **Юз ўгирмоқ** *қ.* **юз** I.

ЎГИТ Йўл-йўриқ кўрсатиб айтиладиган гап; насиҳат. *Зеҳни тез, тиришқоқ Собир, отасининг ўгитини бажаришга интилиб, «Машраб», «Сўфи Оллоёр» каби китобларни тезда шариллатиб ўқийдиган бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кейин ўзидан-ўзи мамнун бўлиб, ўгит оҳангига ўтди: -Ёшларнинг тарбияси билан шуғулланиш кўп савоб иш, албатта..* А. Мухтор, Туғилиш.

ЎГИТЛАМОҚ *кам қўлл.* Насиҳат қилмоқ. *Жумақул ота ўзининг бугунги бахтли кунларини ўйлаб, ниҳоятда қувонди. Кампирини ўгитлади.* Ш. Сулаймон, Ота ўғил.

ЎДАҒА *фольк.* Бошлиқ, саркор. *Йигитлар ичида менман ўдаға..* «Равшан».

ЎДАҒАЙЛАМОҚ Баланд овоз билан дўқ урмоқ, таҳдид ёки пўписа қилмоқ. *Жўра ҳам Замонга ўдағайлаб гапира бошлади.* Н. Назаров, Замон. *Фосиҳ афанди.. гўдак боланикига ўхшаш кичкина муштини торгина кўкраги олдига силкитиб ўдағалайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎДАҒАЙЛАНМОҚ **Ўдағайламоқ** фл. ўзл. н. *айн.* **ўдағайламоқ.**

ЎЖАР 1 Тўғри, мақбул маслаҳат, гап-сўзга ҳам қулоқ солмай, ён бермай, ўз фикрини маъқуллайверадиган; гап уқмайдиган, қайсар. *У қанча сўзламасин, бу китобнинг динга зиёнсиз эканини ўжар мусулмонга тушунтира олмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзи бир ўжар, фойдали ишдан бўйин товловчи кишилар унинг маслаҳати, ёрдами туфайли ҳаётда ўз йўлини топиб олди.* Газетадан. *-Эртага вожатийдан сўраймиз, – деди Қудрат гап уқмас, ўжар синглисини тинчитиб.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ялиниб-ёлвориш, илтимос кабиларга кўнавермайдиган, ўз сўзидан, фикридан қайтмайдиган; бир сўзли. *Унга камоли эҳтиром билан салом берди. Дилидаги гапларни*

астойдил тушунтириб тўкди. Ўн бешинчи тушмагур бир сўзли ўжар одам экан. Кўнмади. С. Аҳмад, Сайланма.

3 *кўчма* Бошқанинг измига юрмайдиган; бўйсунмас. *Ўжар дарё. Ўжар табиат.* ▬ *Ғуломжоннинг миясига яна қон югурди, боягги таниш ўжар ҳис яна бутун вужудини қамради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сув ўжар, уни тизгинлаш осон эмаслигини Пўлатжон билади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

4 *кўчма* Қайтариб, ўзгартириб бўлмайдиган нарса ҳақида. *Ҳақиқат — ўжар нарса. Кишиларнинг кимлиги, қайси вазифада ишлашини юз-хотир қилмайди.* А. Набихўжаев, Ўжарнинг қисмати. *Фирибгар ҳар қанча айёрлик қилмасин, ўжар фактлар олдида қилмишига иқрор бўлди.* Газетадан.

ЎЖАРЛИК Ўз билганидан қолмаслик; ўжарларга хос хусусият, муомала; қайсарлик. *Айтувдим-а, қийналиб қоласан, деб! Ўжарлик қилдинг-да, дўстим.* О. Ёқубов, Излайман. *Ўжарликни қўйиб, гапимга қулоқ солсанг.. оғангнинг ёнига олиб кираман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЎЖАРОНА *рвш. кам қўлл.* Ўжарлик билан. *У диннинг талабларига қаттиқ, ўжарона риоя қиларди.* Ойбек, Улуғ йўл. *У қиёфасини ўзгартирмай, ўжарона оҳангда яна такрорлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎЖАРЧАСИГА *айн.* **ўжарона.** *Йўлчи бошини қуйи солиб, жим ўтирди. Аммо чолнинг ялинишлари, савдогарнинг ўжарчасига оёқ тираб туриши йигитнинг ғазабини ошира бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЗ *ўзл. олм.* **1** Эгалик қўшимчасини олган от олдидан келганда, кимса ёки нарсанинг эгалик қўшимчасидан англашилган шахсга (1-, 2- ёки 3-шахсга) қарашли экани ифодаланади. Бунда шахс маъноси шахс қўшимчаси орқали воқеланади, ***ўз*** сўзи таъкидлаш учун қўлланади. *Ўз ватани. Ўз дўстинг. Ўз мулкимиз. Ўз уйим. Ўз хоҳишим билан рухсат бердим.* ▬ *Бой ўз умрида кўпни кўрган..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳошимжон ака бу билан ўз журъатсизлигини яширмоқчи эканига ҳамманинг имони комил эди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

2 Эгалик қўшимчаси билан келганда: 1) иш-ҳаракат шу қўшимча билдирган шахсга оидлигини билдиради. *Ўзим сўрадим. Ўзинг сўра. Ўзи сўради. Бу шеърни ўзим ёздим. Масалани унинг ўзи ечди.* ▬ *Ўзи тўғради пиёз, Ачиса ҳамки кўзи.* Ю. Шомансур. *[Каромат опа:] Тенгини қиз боланинг ўзи танлагани маъқул-да, холажон.* Т. Алимов, Совчи. *Ўзинг ишлаб топганингга ўзинг эга бўлмасанг!* С. Аҳмад, Ҳасрат; 2) 3-ш. шаклида (***ўзи***) иш-ҳаракат ҳеч кимнинг иштирокисиз бўлиши, бажарилишини билдиради; ўзича, ўзидан-ўзи. *Девор ўзи йиқилиб тушди. Машина ўзи юриб кетди. Чироқ ўзи ўчиб қолди.* ▬ *«Уч-тўрт кун одамларнинг ҳожатини чиқариб юра турай, тузук иш ўзи чиқиб қолади», деган ўйда юра берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар; 3) сўроқ мазмунли гапларда таъкид, кучайтириш учун қўлланади (бунда шахс маъноси бўлмайди). *Мен ўзи қаерга келиб қолдим?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ўзи нима ишлар бўлаётибди?* Мирмуҳсин, Меъмор. *Сенда уят, одамгарчилик деган нарса борми ўзи?* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирон сабаб, мақсад билан эмас, шунчаки. *-Нимага хафасан? Мана, ман соғ-саломат қайтдим. -Ҳеч нима, — ерга қараб деди Унсин, — ўзим, шундай..* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ўзига хос. *Кузда балиқ овлашнинг ҳам ўз гашти бор.* Газетадан.

5 Қаратқич келишигидаги сўз билан қўлланиб, ўхшашликни алоҳида таъкид, қайд билан билдиради. *Катта ўғли отасининг ўзи.* ▬ *Ўзиям Роҳилагинамнинг ўзи-да..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Ўз гази билан ўлчамоқ *қ.* **газ** I. **Ўз ёғига ўзи қовурилмоқ** *қ.* **ёғ.** *Онам ўз ёғига ўзи қовурилиб, кимнидир қарғади.* Т. Алимов, Тўй қолди. **Ўз йўлида** Ўз иш-фаолияти давомида. *Ҳар ким ўз йўлида матонат билан курашмаса, фожиага йўлиқмаган тақдирда ҳам, ярим йўлда қолиб кетиши мумкин.* С. Кароматов, Олтин қум. **Ўз навбатида** Навбати билан, ўрни билан (ўрни келганда). *Омон кўп масалаларда Шерали билан маслаҳатлашар, ўз навбатида Шерали ҳам ночор қолган дамларда у билан суҳбатлашиб, кўнгил чигилини ёзарди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Ўз сўзли** *қ.* **сўзли. Ўз-ўзидан** *айн.* **ўзидан-ўзи.** *Панжаларим ўз-ўзидан очилиб, замбилни тўқ эткизиб ташлаб юборди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ўзи бўладими** *ёки* **ўзи бўлмайди** Осон эмас, осонгина амалга ошадиган иш эмас. *Мактаб зиналаридан чиқа беришнинг ўзи бўладими?* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ўзига келмоқ** Эс-ҳуши, ҳолати меъёрий ҳолга

тушмоқ, ростланмоқ. *У, қулоғига гап кирмай, гаранг бир аҳволда ўтирганда, бирдан қозон бошида кўтарилган шов-шувни эшитиб, ўзига келди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Худододбек Бадиадан шапалоқ егач, анча ўзига келиб, мулойим бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ўзига урсин** (*ёки* **кўринсин**) Қилмиши ажрини ўзи кўрсин, ажри ўзига тегсин. *Касофатинг ўзингга урсин!* К. Яшин, Ҳамза. *Илоҳо, қилмишларинг, нобакор ишларинг ўзингга кўринсин!* К. Яшин, Ҳамза. **Ўзида йўқ** Белгининг кучли даражасини билдиради; ниҳоятда, жуда ҳам. *Матчон тўра ўзида йўқ хурсанд бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ўзидан кетмоқ** Эс-ҳуши, меъёрий ҳолатини йўқотмоқ. *У мактубни ўзининг сўнгги томчи кучи билан ўқиб тамом қилди-да, ерга йиқилиб, ўзидан кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзидан-ўзи** 1) сабабасоси номаълум ҳолда. *Эшик ўзидан-ўзи очилиб кетди.* ▬ *..ўзимдан-ўзим терлаб кетавердим.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб; 2) ўзича. *Бургут уйга қайтиб кирар экан, ўзидан-ўзи кулар эди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. **Ўзингдан қолар гап йўқ** Ҳаммасини ўзинг биласан, ўзинг тушунасан. *Буларни айтиб ўтиришнинг нима ҳожати бор, ўзингдан қолар гап йўқ.* **Ўзини босмоқ** *қ.* **босмоқ 16. Ўзини йўқотмоқ** *қ.* **йўқотмоқ.**

ЎЗАК 1 Ўсимлик пояси ва илдизининг кўпинча юмшоқ тўқимадан иборат бўладиган ички қисми. *Толнинг ўзаги.*

2 *шв.* Дарахт, бута кабиларнинг танаси; поя. *Ғуломжон ўрикнинг кекса, йўғон ўзагини ушлаб туриб тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сумба қилдим ирғайнинг ўзагидан.* «Оқ олма, қизил олма».

3 Илдизмеванинг (ёғоч ўзагига ўхшаш) ўрта қисми. *Сабзининг ўзаги.*

4 *тех.* Электромагнит ва ш.к. нинг ичига, ўртасига ўрнатилган қисм; стержень. *Электромагнит ўзаги.*

5 *тлш.* Сўзнинг асл маъносини билдириб, янги сўз ясалишига асос бўладиган, сўз ясовчи қўшиладиган энг кичик қисм; сўз ясалиш асоси.

6 *кўчма* Бирор нарсанинг энг муҳим, асосий қисми; асос, моҳият. *Улар [аёллар] оиланинг ўзаги ва файзигина эмас, балки жамоатчилик ҳаётида ҳам алоҳида ўрин эгаллайдилар.* Газетадан. *Менинг назаримда, ўртоқ Мардиев, биз қилаётган ишнинг ўзаги битта! Умумхалқ, умумдавлат манфаати.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ЎЗАН 1 Сув оқиб ўтадиган узун чуқурлик; сув йўли. *Энди ўзандан бу ёққа ариқ чиқариш ва ҳовуз қазиш керак эди.* П. Қодиров, Қадрим. [*Жамолнинг*] *Кўз олдида эгри-бугри Чирчиқ ўзани. Ундан нарида — каттакон Тошкент.* С. Анорбоев, Меҳр. *Зарафшон дарёсининг эски ўзанлари кўп.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида. *У сув ювган тақир ўзандан борар экан, чакалакзордаги.. буталардан асар қолмаганига гумон қилмасди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Йиғинимиз оддий кунда эмас, канал ўзанига биринчи кетмон урилган куннинг ўттиз йиллиги арафасида бўлди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 *кўчма* Бирор давомли нарсанинг муайян йўли. *Йўқ, ҳаётни жўнлаштириб бўлмайди. У ўзининг чигал, мураккаб ўзанлари бўйлаб оқади.* А. Мухтор, Чинор. *Ашурмирзо парво қилмай, гап ўзанидан чиқмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎЗАРО Икки ёки бир неча шахс ўртасида ёки томонлар орасидаги. *Ўзаро суҳбат. Ўзаро келишув. Ўзаро мусобақа. Ўзаро текширув. Ўзаро низолар.* ▬ *Ўзаро қирғин, ҳарбий юришлар.. раиятни тобора қашшоқлаштириб, тинкасини қуритди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Умри менинг бу гапларимни ўзаро маслаҳат деб тушунди, шекилли, югуриб уйидан бир қоғоз олиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ЎЗАҒОН Ҳаммадан тез югурадиган, ўзиб кетадиган, ўзғир. *Ўзағон бола. Ўзағон от.*

ЎЗБЕК 1 Ўзбекистон Республикаси туб аҳолиси (халқи)нинг номи. *Ўзбек халқи. Ўзбек миллати.*

2 Шу халқ (миллат)га тегишли, мансуб. *Ўзбек хонадони. Ўзбек тили. Ўзбек лотин алифбоси.*

ЎЗБЕКЛАР Ўзбекистон Республикаси туб аҳолиси, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ.

ЎЗБЕКЛИК Ўзбек халқи (миллати)га мансублик, ўзбек эканлик. *Мен ўз ўзбеклигим билан фахрланаман.* Мирмуҳсин, Умид.

ЎЗБЕКЧА 1 Ўзбекларга хос; ўзбек тили, адабиёти, санъати, маданияти ва ш.к. га оид. *Ўзбекча кийим. Ўзбекча одат. Ўзбекча таом. Ўзбекча кийинмоқ.*

2 Ўзбек тили. *Ўзбекча(ни) биласизми? Ўзбекча сўзлашмоқ.* ▬ *Соқолли солдат чала-чулпа ўзбекча билар экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎЗБЕКЧАЛАМОҚ *с. т.* Ўзбек тилида гапирмоқ. *Иккови бир-бирининг муддаосини сира тушунолмади. Охири хотин ўзбекчалаб тушунтиришга тиришди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *-Йўқ, — деди милтиқли киши, узоқдан ўзбекчалаб.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎЗБЕКЧАЛАШТИРМОҚ Ўзбек тилига таржима қилмоқ, ўгирмоқ. *Дастлаб кинотомошабинлар ўзбекчалаштирилган фильмларни кўриб ҳайрон бўлишган.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ЎЗБЕКЧАСИГА *рвш.* **1** Ўзбекка, ўзбекларга хос ҳолда; ўзбекча қилиб. *-Ҳа, элатлар, аҳвол қалай? — деди лейтенант кулиб ва кўришгани қўлини узатди. Жангчилар ўзбекчасига кенг қучоқ очиб кўришдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ўзбек тилида. *Ўзбекчасига бу нарса қандай аталади?*

ЎЗБЕКЧИЛИК Ўзбекка хос анъана, урф-одатлар. *-Ўзбекчилик, тўй қилмасам бўлмайди. Янгича тўйларда нима хосият бор? Замонани қаранг: ҳамма нарса тўкин-сочин бўлса, ҳар уйда бешта-ўнтадан қўй, мол боқилса-ю, тўйларимизни қурумсоқнинг нонуштасига ўхшатиб қўйсак. Ахир ўзбекчиликка ярашадиган ишми бу?! — деди Азизга Пирназар.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЎЗБИЛАРМОН 1 Ҳамма нарсани ўзим биламан, деб ўйловчи, ўзига ортиқча баҳо берувчи; манман. *Бошқаларнинг ишини камситишни яхши кўрадиган бу ўзбилармон одам, бу гал жиндай ён беришга мажбур бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзи билганича иш тутадиган, бошқалар фикрига қулоқ солмайдиган; ўжар, қайсар. *Мана шу шаддод, ўзбилармон қиз эрталабдан бери уйда.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЎЗБИЛАРМОНЛИК Ўзбилармонга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Ҳар бир ишни мен билан баҳамжиҳат қилинг, ўзбилармонликни кўтармайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЗБОШИМЧА 1 Бошқалар билан ҳисоблашмасдан, фақат ўз эрки, ўз хоҳиши билан иш тутадиган ва шу тарзда амалга оширилган. *Ўзбошимча одам.* ▬ *Бунга Собировнинг ўзбошимча ҳаракати келиб қўшилгач, Берди татарнинг тутуни осмонга чиқди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Менки шу Қамишкапанинг раиси эканман, ҳеч ким мендан бемаслаҳат, ўзбошимча иш қилмаслиги керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳеч кимга бўйин эгмайдиган, ахлоқ-одоб талабларига риоя қилмайдиган; бебош. *Сен уялмай, ўзбошимча жувонмарг, Кўчаларда ашула қиб юрибсан.* «Ойсулув». *Унинг кўз олдида Ҳафизаси дам ақлли, иффатли, дам бебош, ўзбошимча бўлиб кўрина бошлади.* Мирмуҳсин, Умид.

ЎЗБОШИМЧАЛИК Ўзбошимча иш, хатти-ҳаракат (**ўзбошимча** ҳар икки маъносида). *Луқмончанинг бевақт ўлиб кетишига участкадаги ўзбошимчаликлар зомин бўлди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ўзбошимчаликни бошлайдиган аввал ўзинг!* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЎЗГА 1 Қариндошлик, туғишганлик ва ш.к. жиҳатдан алоқаси йўқ одам; бегона. *-Демак, Худойқул ўз жигарингиз бўлгани учун, ўзгалардан кўра кўпроқ эзиб, уни оғир бир аҳволга солишга ҳақли эkансиз-да? — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўзгага боқса кўзим, кўр бўлсин, оқсин гавҳари, Косаси тупроқ била тўлсин, кўмилган яхшироқ!* Ҳабибий.

2 Сўзловчи ёки сўзловчи ва тингловчидан бошқа одам. *Ўзингда йўқ — ўзгада йўқ.* Мақол. *Ёмон ўзини билмас, ўзгани кўзга илмас.* Мақол. ▬ *Куёв томондан ориқ, дароз, чайир бир хотин бел боғлади. Ўзгалар — ёшқари ҳаммаси шу икки аёлнинг белбоғига, этакларига ёпишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзингизни билинг, ўзга билан нима ишингиз бор?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўзи ёки ўзига мансуб бўлмаган; нотаниш, ёт. *Ўзга тилда сўзлашмоқ.* ▬ *Одамзод бир сабаб билан ўзга юрт, ўзга шаҳарларни ихтиёр этади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 (*ч. к. с. билан*) Ўзи боғланиб келган сўз билдирган шахс ёки нарсадан бошқасига ишора қилади; -дан бошқа. ..*Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай.. орзу-ҳавасимиз, умид-ҳадафимиз фақат шу Отабекдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бандамиз — тақдирга тан беришдан ўзга иложимиз йўқ.* Н. Сафаров, Оловли излар.

5 Одатдагидан бошқача, ўзгача. *Боғнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат: ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа тут-*

ган ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади. Ойбек, Танланган асарлар.

4 *тлш.* Учинчи шахс.

ЎЗГАЛИК 1 Ўзга ҳолат, ўзга эканлик.

2 Фарқ қиладиган белги, хислат, хусусият. *Сажиядагина эмас, сурат ва сиймо важида ҳам [Кумушнинг] катта ўзгаликлари бор эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЗГАРИШ 1 Ўзгача ҳолат юз бериш. *Ундаги ўзгаришни кўриб, Ҳулкар ўзини тез ўнглаб олди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Қизда ҳам қандайдир ўзгариш бўлди.* Т. Расулов, Марҳамат. *Йўлчидаги бу ўзгариш унинг аввалги фикрини таъкидлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тараққиёт тарихида юз берадиган кескин бурилиш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш; ўзгача, бошқача бўлиш. *Ижтимоий тузумнинг ўзгариши.* ▬ *Биз катта ишлар, улуғ ўзгаришлар арафасида турибмиз.* Газетадан. *Дарҳақиқат, биз Ўзбекистоннинг қишлоқларида юз берган ўзгаришларнинг шоҳиди, иштирокчиларимиз.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *эск. айн.* **инқилоб.** *Ўзгаришнинг 9 йили давомида.. хотин-қизлар масаласига келганда, жуда ҳам оз ишлаганимиз маълумдир.* Газетадан.

ЎЗГАРИШСИЗ Ҳеч қандай ўзгариш юз бермаган ҳолда; одатдагидай, эскича. *Гулдур-шалдир, тарақ-турук ўзгаришсиз давом этади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЎЗГАРМАС Ҳамма вақт бир хил турадиган, ўзгармайдиган, доимий, турғун. *Ўзгармас ғоя. Ўзгармас электр оқими.*

ЎЗГАРМОҚ Қиёфа, ҳолат ва ш.к. да маълум ўзгариш юз бермоқ; бошқача бўлмоқ. *Авзойи ўзгарди. Товуши ўзгарди. Кайфияти ўзгарди. Ҳаво ўзгарди. Баҳор келиб, табиат ўзгарди.* ▬ *Башорат синглисининг ўз кўз ўнгида ўзгариб бораётганини сезарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Боғлардаги чиллакилар чумак уриб, олма, ноклар, тиллақўнғиз ёпишган шафтоли ва олхўрилар ранги соат сайин ўзгарарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Отанг нуқул мени кўрса ўзгариб кетади.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Моҳият жиҳатдан аввалгисига ўхшамаган ҳолатга ўтмоқ, мазмунан бошқача бўлмоқ. *Вазият ўзгарди. Ижтимоий тузум ўзгара боради.* ▬ *Бахтимизга замон ўзгариб, Бундай яхши кунларга етдик.* Э. Раҳим.

3 Ўрни, вазифаси, мақоми ва б. жиҳати янги бўлмоқ; алмашмоқ, бошқа бўлмоқ. *Ўқитувчи ўзгарди. Бошлиғимиз ўзгарди. Ўзбек ёзуви бир неча марта ўзгарди. Адресимиз ўзгарди. Иш жойимиз ўзгарди. Маршрут ўзгарди. Амударё оқими тез-тез ўзгариб туради.* ▬ *Шамол ўзгариб, ўнг томондан эсиб қолди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎЗГАРУВЧАН Бир ҳолатда турмайдиган, ўзгариб турадиган; беқарор. *Ўзгарувчан ҳаво. Ўзгарувчан миқдорлар. Табиат ўзгарувчандир.* ▬ *Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик кўпгина ҳодисалар, табиийки, ўзгарувчан бўлади.* «Фан ва турмуш».

ЎЗГАРУВЧАНЛИК 1 Ўзгарувчан ҳолат, хусусият. *Иқлимнинг ўзгарувчанлиги.* ▬ *Осмон ўзининг бутун ёритқичлари билан бирликда доим ўзгарувчанлик намунасидир.* «Астрономия». *Бобурдаги бу ўзгарувчанликни Қосимбек ёшлик ғўрлигидан кўрарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *тиб.* Барча тирик организмлардаги кимёвий, морфологик ва физиологик хоссаларнинг хилма-хиллиги, шундай хоссаларни ўзгартира олиш хусусияти.

ЎЗГАЧА 1 Тамомила бошқа, бутунлай фарқли. *Аҳвол тамомила ўзгачадир.* «ЎТА». *Бугунги куннинг реалликлари уруш ва тинчлик масалаларига бутунлай ўзгача ёндашувни талаб этади.* Газетадан.

2 Одатдагидан бошқача, ўзича алоҳида, ўзига хос. *Бу қоядан қараганда водий ўзгача бир манзара касб этар эди.* ▬ *Баҳор келиши жангчиларимизга ўзгача кайфият бағишлади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК Ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш; беғамлик, бепарволик. *Равшанки, ўзибўларчилик ғовлаб кетган жойда бутун куч ва ғайрат йиғим-теримга сафарбар қилинмаган.* «Муштум».

ЎЗИДАН-ЎЗИ *рвш.* Бировнинг таъсирисиз, кўриниб турган бирор сабаб бўлмаган ҳолда; беихтиёр. *Бургут уйга қайтиб кирар экан, ўзидан-ўзи кулар эди.* С. Аҳмад, Лочин. *Турсуной бўлса, у судраган сари, оғирлигини солиб, осмонга, узоқ-узоқларга қараганча, ўзидан-ўзи гапирарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎЗИЧА *рвш.* **1** Мавжуд ҳолатини сақлаб, қандай бўлса шундайлигича, ўзгармасдан

ёки ўзгартирмасдан; аслича. *Лойиҳа ўзича қолди. Матнни ўзича қолдирмоқ.*

2 Ўз ақли доирасида, ўз тушунчасига мувофиқ. *Ҳовлида кезиб юрган маст Салимбойвачча ўзича фурсатни ва тасодифни жуда қулай топди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қумринисо бу қарашга ўзича маъно бериб, қизаргандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Ҳар ким ўзича ҳикоянинг мағзини чаққандай жимиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Биров билан келишмасдан, ўз хоҳиши билан; мустақил равишда. *Бундан йигирма кунлар бурун уста Олимнинг устакор билан нима учундир уришганлиги ва шундан сўнг ўз уйига дўкон қуриб, ўзича ишлай бошлаганлиги англашилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Петька, душман бостириб келаётганда, ўт очгани команда бермаган командирни хоин гумон қилиб, ўзича ўт очган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 Ўзидан-ўзи; ўз ҳолича. *У шунда аллanечук шавқланиб, ўзича кулумсирар эди.* Н. Мақсудий, Юксалиш. [*Йигит*] *Қамчини кўтарди-ю, яна секин ёнига туширди. Чол буни сездими, ё ўзичами: -Чопкингиз келдими, ўғлим? — деб сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Шунчаки ўзи. *Ҳа, баракалла! Ундан кейин, хотининг ўзича келганмикин? Йўқ!..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Ўзига хос, алоҳида. *Яхши қиз билан «суҳбат» қилишнинг ҳам ўзича бир гашти бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЗИШМАЧОҚ Бирор нарса, масала юзасидан баҳслашув, ким ўзар, мусобақа. *Агар қовун ейиладиган бўлса, Сайфулла билан Мастура ўзишмачоқ ўйнардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎЗИЮРАР Ўзига ўрнатилган мотор кучи билан юрадиган. *Species Бобоевнинг батареяси душманнинг.. иккита ўзиюрар тўпи ва бир батальон газандани йўқ қилиб ташлади.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

ЎЗЛАШМА Ўзлашиш, ўзлаштириш йўли билан пайдо бўлган. *Ўзлашма терминлар.*

ЎЗЛАШМОҚ 1 Ўз кишиси бўлиб қолмоқ, ўзиникидек яқин, иноқ бўлмоқ. *Ўзбек ойимнинг дали-ғулилигидан Офтоб ойим ва Кумуш унга жуда ўзлашиб олганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Онгига етиб бормоқ, тушунарли бўлмоқ; сингмоқ. *Маъруза тингловчиларга яхши ўзлашдими?*

3 *қ. х.* Ишлатиш, фойдаланишга туширилмоқ. *Абдусамад насос станцияси қурилиши билан Сирдарё ёқасида неча минг гектар ерлар ўзлашиб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 *тлш.* Ўзга тилдан қабул қилинмоқ. *Ҳозирги кунда ўзбек адабий тилида ўзлашган сўзлар жуда кўп миқдордадир.*

ЎЗЛАШТИРМА: ўзлаштирма гап *тлш.* Ўзгаларнинг шаклан ўзгартириб берилган гапи. **Ўзлаштирма сўз** Айни тилга бошқа тиллардан кириб келган сўз.

ЎЗЛАШТИРМОВЧИ Дарсларни тушуниб, ўзига сингдириб ололмаган, ёмон ўқийдиган; улгурмовчи. *Ўзлаштирмовчи ўқувчи. Ўзлаштирмовчилар билан қўшимча машғулот ўтказиш.*

ЎЗЛАШТИРМОҚ 1 Ўзлашмоқ 2-4 фл. орт. н. *Дарсни ўзлаштирмоқ. Дастур материалларини ўзлаштирмоқ. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирмоқ.*

2 Бошқага қарашли нарсани ўзиники қилиб олмоқ, эгаллаб олмоқ. *Бировнинг китобини ўзлаштириб олмоқ.* ▬ *Кейинчалик маълум бўлишича, Собиржоннинг чала қолган илмий ишини Салимхон ўз ишида ўзлаштириб юборган.* Мирмуҳсин, Умид.

ЎЗЛИК Кишининг ўз шахсияти, табиий ҳолати, вужуди, борлиғи. *Йигит бир он тикилди-да, кўзларини юмди; гўё унинг бутун ўзлигини Гулнор хаёли қучди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил.* Ҳамза. *Наволарнинг дардли авжи дилларни тилкалар, одамлар эса бу жароҳатдан лаззат топиб, ўзлигини унутар эдилар.* А. Мухтор, Чинор.

Ўзлик нисбати *тлш.* Ҳаракатнинг субъектнинг ўзига объект сифатида қаратилганлигини ёки субъектнинг ўзи доирасида юз бериши маъноси ва шундай маънони билдирувчи феъл шакли. Мас., *ювинмоқ, мақтанмоқ, қийналмоқ.* **Ўзлик олмоши** Аниқ (муайян) яккаликни белгиловчи, кишилик олмоши ёки от билан келиб, уни таъкидлаб кўрсатувчи олмош — **ўз**. *Сен ўзинг. Укамнинг ўзи.*

ЎЗМОҚ 1 Тез юриб ёки югуриб, олдиндаги ёки тенг кетаётган киши ёки нарсадан ўтиб кетмоқ, уни орқада қолдир-

моқ. *Озгина юргандан кейин, тўнқатар яёвлардан ўзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Болалардан кичикроқлари чопқиллашиб, Саодатхондан ўзиб кетишди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Холматнинг оти чинакам чопгудек бўлса, шамолдан ҳам ўзади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *кўчма* Бирор соҳа, иш, мусобақа ва ш. к. да бошқалардан олдинда бўлмоқ, ғолиб келмоқ. *Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.* Мақол. ▬ *Хидир ота ҳозир йигитлардан ўзиб, ҳамқишлоқларини изза қиляпти.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ЎЗОҒ: ўзоғ(и) йили Бултурдан аввалги йил. [*Уста Олим:*] *Мен сизга ўзоғи йили бир йигитнинг.. мен билан бирга ҳовлига келиб, бир кун ётиб кетганлигини сўзлаб эдим, шекилли?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЗ-ЎЗИГА Фақат ўзига қарата. *Шокир ота ишдан айрилмай, гўё ўз-ўзига дегандай, лекин асабий равишда сўзлай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамза тик боқади ўлим кўзига, «Сен ёлғиз эмассан», дер ўз-ўзига.* Ж. Жабборов.

ЎЗ-ЎЗИДАН 1 Ўзидан, ўзи ўзидан. *Бир зум қараш билан юракка нақшланган унинг чеҳрасини яна кўз олдида жонлантиришга тиришди* [*Йўлчи*] *ва: «Кимнинг қизи у? Яна кўрармикан?» — деб ўз-ўзидан сўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Биров аралашмасдан, ёрдам бермасдан; бирор кимса ёки нарсанинг иштирокисиз, ўзидан-ўзи. *Ўз-ўзидан юрмайди карвон. Пул керак, пул — дасталаб червон.* Э. Раҳим.

ЎЗҒИР 1 Ҳаммадан ўзиб кетувчи, ўзағон. *Ўзғир от.*

2 *кўчма* Илғор, зарбдор. *Бирдай сулув сиз икковлон, Пахтазорим ўзғирлари.* Миртемир.

ЎЙ 1 Хаёлан фикр, мулоҳаза юритиш жараёни ва унинг натижаси; фикр, мулоҳаза. *Унинг* [*Бектемирнинг*] *мардона очиқ пешонаси, қуюқ эгилмас қошлари чуқур ўйни ифодалар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *«Балки муғамбирлик қилаётгандир», деган ўйлар Латофатга уйқу бермас эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Машинада бораётган одамлар хаёлга берилиб кетишган, ҳар ким ўз ўйи билан банд.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Ўй сурмоқ Ўйлаш жараёнида бўлмоқ, узоқ ўйламоқ. *Санобар жавон олдида кўйлак танлар экан, яна ўй суриб кетди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. **Ўйга берилмоқ (***ёки* **ботмоқ, чўммоқ, толмоқ)** Бутунлай ўйлашга берилмоқ, ўйлаб қолмоқ. *..ўзини бир бурчакка ҳорғин ташлади-да, ўйга берилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Одамлар ўйга ботиб, уй-уйларига тарқалишди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Замира ўйга чўмиб, мажлиснинг қандай давом этаётганини ҳам сезмади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Отақўзи.. чойи совиб қолган пиёлани қўлида айлантирганича ўйга толди.* О. Ёқубов, Диёнат. **Ўйига етмаслик** Ҳар қанча ўйлаб, қатъий ҳукм, хулосага келмаслик. *Қанча ўйлаган билан етолмади ўйига.* «Ойсулув».

2 Фикран мўлжалланган режа, ният, мақсад. *Ишимдан хурсандман, энди биттаяримта насибаси қўшилган хотин чиқиб қолса, уйлансам, деган ўйим ҳам йўқ эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Менга айтгин кўнглингдаги ўйингни, Айтгин, болам, борадиган жойингни.* «Равшан».

3 Фикрлаш қобилияти; ақл. *Бўйимиз етса ҳам, ўйимиз етмайди.* ▬ *Туядай бўй берибди-ю, тугмадай ўй бермабди сенга!* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Тўғри, у илгариги Муса, бироқ бўйи жойида бўлгани билан, ўйи жойида эмас.* Н. Фозилов, Оқим.

4 Ўйла(н)ган нарса. *Ҳамма.. сув чиқаришни ўйларди. Ҳозир ҳамманинг ўйи сув эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎЙДИМ-ЧУҚУР *айн.* **ўнқир-чўнқир.** *Ғуломжон аллақачон қишлоқдан чиқиб, ўйдим-чуқур шаҳар йўлида ёлғиз борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тревога эълон қилиниши билан, солдатлар дарахт паналарига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мана шу кучларнинг узоқ муддат ҳаракат қилиши натижасида тоғлар емирилди. Даралар, жарликлар, ўйдим-чуқурлар пайдо бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎЙИН 1 Кўнгил очиш, дам олиш, тарбиялаш мақсадида қилинадиган эркин ҳаракат ёки машғулот. *Болалар ўйини.* ▬ *Кўча туташ балчиқ бўлганидан болаларнинг ўйини тугул, юришига ҳам имкон йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..кенг майдонда шовқинсуронли қиш ўйинлари: баланд тепадан сирпанишлар, думалашлар, ченаларда учишлар..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бошқалар билан мусобақа қилиш учун маълум қоидалар асосида ўтказиладиган

машғулот. *Футбол ўйини. Шахмат ўйини. Эстафета ўйинида қизлар командаси ютиб чиқди.* ▬ *Жон-дилим футбол эмасми, қизни ҳам унутиб, бутун хаёлим ўйинда бўлиб қолди.* Газетадан.

3 Ўртага пул ёки нарса тикиб ўтказиладиган машғулот; қимор. *Отам ўйин қизиғида ютқазишга ютқазиб қўйиб, кейин ўзини урди, пешонасини ёрди, йиғлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Ритмик ҳаракатлар ва мимикалар уйғунлигидан иборат санъат; рақс. *Оёқ ўйини. Шўх ўйин. Кавказча ўйин.* ▬ *Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсунбиби йўрғалай кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўйинга тушмоқ Бирор рақсни ижро этмоқ. *Ҳаваскор ҳофизлар қўшиқ айтди, шўх йигитлар ўйинга тушди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

5 *кўчма* Парвоз вақтида шох уриб (ташлаб) қилинадиган енгил, ёқимли ҳаракат. *Кабутар ўйини.*

6 *с. т.* Спектакль, концерт, цирк томошаси ва ш.к. *Булар театрнинг олдига келганларида, ўйин бошланишига учинчи қўнғироқ ҳам берилган эди.* Ойдин, Фонарь тагида.

7 *кўчма* Бетартиб, бироқ ўзига хос жозибали ҳаракат (ҳайвон ва нарсалар ҳақида). *Шабада ўйини.* ▬ *Ғазаб билан ҳайқириб бўрон, Балки қилар минг турли ўйин.* Ғайратий. *Балиқларнинг бундай ўйинини энди кўриб тургани!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

8 *кўчма* Эрмак тарзидаги ҳаракат, қилиқ ва ш.к. *Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар.* Мақол. ▬ *Ҳар ҳолда, тақдирнинг бунчалик ўйинлари турган бир замонда биз нима ҳам қила олар эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У муҳаббатни ўйин деб ҳисоблайди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Хат сенга ўйин бўлиб қолдими?!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Ўйин қилмоқ Ўйин, мазах тарзидаги ҳаракат, қилиқ қилмоқ. *-Вой юрагим, вой-вой, — деб атай ерга ағнаб, оғзидан оқ кўпик чиқара бошлади. Унинг ўйин қилаётганини Меъмор сезиб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

9 *с. т.* Унчалик қийин, мушкул бўлмаган иш ҳақида. *Қизники — қийин билан, ўғилники ўйин билан битар.* Мақол.

10 *с. т.* Суюғоёқ, бузуқ аёл ҳақида.

ЎЙИНБОЗ *с. т.* Бирор кўнгил очиш машғулотига, ўйинга қаттиқ берилувчи; ўйинчи. *Бир ёқда қизлар, сатта терилган сарвинозлар, ясанган таннозлар, ҳадсиз ўйинбозлар.* «Фольклор».

ЎЙИНБУЗУҚИ 1 Ўйиннинг боришига халақит берувчи, уни бузишга уринувчи. *Мактабда танаффус пайтлари шашка ёки волейбол ўйинларида ғирромлар, ўйинбузуқилар ҳам бўларди.* Газетадан.

2 *айн.* **ишбузуқи.** *Аҳмаджон сўраб оладиган нарсалари бор эди-да: қай бола қандай ишлаяпти, энг яхшиси ким, ўйинбузуқиси ким..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎЙИН-КУЛГИ Кўнгил очиш йиғини, базм; хурсандчилик. *Шу одамлар ҳам ўйин-кулгини билар, шу одамларга ҳам ўйин-кулги ярашар экан-ку!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аммо Унсиннинг кўнгли ўйин-кулгини кўтармас, шодлик унга бегона эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЙИН-МАЗАХ Кўнгил очиш воситаси; эрмак, ўйинчоқ. *Шаббодада ўйноқлаган шўх пирпиракдай, Унга ўйин-мазах экан бунда ҳар нима.* Ғ. Ғулом.

ЎЙИНХОНА *эск. с. т.* Бирор ўйин ёки томоша кўрсатиладиган жой (театр, цирк, кино ва ш.к.).

ЎЙИНЧИ 1 Ўйин с. сфдш; ўйинга тушувчи, ўйнаётган, яхши ўйнайдиган. *Ўйинчи йигит четга чиқиши билан киприкларига сурма қўйган.. йўғон бир жувон ўртага чиқиб, йўрғалай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёшгина бўлса ҳам, шўх, ўйинчи қиз экан-да.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 Рақсга тушувчи шахс; раққос ёки раққоса. *Шўх йигитлар ўйинчига хушомад қилар, қийқиришар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мажлиснинг шоирлари, ўйинчилари, чилдирмачи ва дуторчилари — барчаси ҳам ҳозир бўлиб, Кумушбибигина ҳаммомдан қайтмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юсуфжон ака Фарғона водийсининг энг ўткир ўйинчи устозларидан кўп рақсларни ўрганган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 *кўчма* Яхши ўйнайдиган (*қ.* **ўйин 5).** *Яна қандай денг, энг ўйинчи, серпарвоз каптарларимдан ажралдим.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 Футбол, шахмат каби ўйинларда иштирок этувчи; спорт мусобақасидаги бирор жамоа аъзоси. *«Пахтакор» ўйинчилари. Уста ўйинчи. Ўйинчилар ҳужумга ўтишди.*

ЎЙИНЧИҚ *с. т.* Ўйинчоқ. *Ҳусайн Бойқаро набираси Мўмин мирзони тиззасига олди, белида камарга тақилган ўйинчиқ ханжарчасини томоша қилди.* Ойбек, Навоий. *Марҳамат опангиз тўғри айтяпти.. деҳқончилик ўйинчиқ эмас.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎЙИНЧОҚ 1 Болаларнинг ўйнаши, овуниши учун хизмат қиладиган нарса ёки буюм. *Ўйинчоқ сотиб олмоқ. Ўйинчоқ машина.* ▬ *Бувaси унга дадасига ўхшаб қўғирчоқлар, ўйинчоқлар, ҳар хил ҳайвонларнинг расми солинган китоблар олиб келиб бермасди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Чиқарманг қурол, оқмасин қонлар. Китоб, ўйинчоқ беринг бизларга!* И. Муслим.

2 *кўчма* Бировнинг кўнгил очиш воситаси; эрмак. *Ташландиқ бу қизингиз, қўлма-қўл юрувчи бу ўйинчоқ қизингиз ким-у, сиздек бир меҳрибон онани қон йиғлатган ким?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кимларнинг соф ҳаёти Қўлда ўйинчоқ.* Ғайратий.

3 *кўчма* Бировнинг хоҳишини сўзсиз, кўр-кўрона бажарувчи, итоатгўй; қўғирчоқ. *Мўғуллар ва уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлган.. амир Бурҳониддин ташвишга тушиб, бу даҳшатли халқ қўзғолонини бостириш ҳаракатига тушиб қолдилар.* М. Осим, Маҳмуд Торобий.

ЎЙИНҚАРОҚ 1 Вақтини доимо турли ўйинлар билан ўтказадиган, ўйинга берилган; шўх (болалар ҳақида). *Кинотеатрнинг деворлари баланд бўлса ҳам, ўйинқароқ болаларга асло халал бермасди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қуда бўлмишимиз остонамизни супуриб, ҳол-жонимизга қўймаяпти; узатиб, ўйинқароқ қизи тушмагурдан тинчиб қўя қолсакмикан, деган ўйим бор.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *-Жўра деган бола сал ўйинқароқ чиқиб қолди, ғўзага сувни ҳам ўша тошириб юборган, — деди Шокиров.* Н. Назаров, Замон.

2 Ўйин-кулги, шўхлик билан ўтадиган. *Ботиралининг бу ўйинқароқ йиллари узоқ чўзилмади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЎЙИНҚАРОҚЛИК 1 Ўйинқароқ бўлиш, ўйинқароқ хислатга эгалик. *..дам олишни тўғри ташкил қила билмаслик ҳам ёшларни ўйинқароқликка.. саёқ юришга олиб боради.* Шукрулло, Сайланма.

2 Ўйинқароқ эканлик. *Унинг ўйинқароқлигини ҳамма билади.*

ЎЙИҚ Ўйилган жой; чуқурлик. *Ана шу ўйиқнинг охирига етиб, бир тўда ёввойи чўчқага дуч келдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Ғорондара — «ғорлар дараси» маъносида бўлиб, бу ерда қадимий ўйиқлар жуда сероб эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЎЙЛАМОҚ 1 Фикр-мулоҳаза юритмоқ; фикрламоқ. *Ўйлаб тузилган режа. Кўп ўйла, оз сўзла.* Мақол. *Ўйламай қилинган иш — бошга келтирар ташвиш.* Мақол. ▬ *У ҳар қанча ўйласа-да, Асқар ака ҳақида ёмон фикрга ботинолмас эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Токайгача шу кепатада юрасан, болам, ахир менга ҳам жон керак, ўйласанг бўлмайдими?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Хаёлидан кечмоқ (кечирмоқ), хаёл қилмоқ. *У баъзан ўғлининг соғ-саломат жангдан қайтишини тилаб.. юртда тинчлик бўлса, умри боқий бинолар қуриб беришини ўйларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *«Икки қўллаб қандай терар экан-а»? деб ўйлайман ичимда.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 Ёдга олмоқ, эсга келтирмоқ; хотирламоқ. *Лекин мен бояги йигитни ўйлаб, юрагим эзилиб кетяпти.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Аксинча, ҳар куни минг яшаб, қувнаб, Сен қилган ишларни ўйлайман, ўғлим.* Ғайратий. *Ҳар куни дадамни бир ўйлаб қўяман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 Бирор кимса ёки нарса манфаати юзасидан иш тутмоқ; шунинг дардида бўлмоқ. *Эл-юрт тинчлигини ўйламоқ.* ▬ *Сут соғувчи ҳам, энг аввало, инсон соғлиғини ўйлайди.* Газетадан. *Кўзим очиқлигида қизимнинг тўйини кўрай, деб ўзимни ўйлабман-у, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйламабман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ўзингиз биласиз, Усмон ака.. биз иқтисодчимиз, даромадни кўп ўйлаймиз.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

5 Хаёл қилмоқ, тахмин қилмоқ, ..деб ҳисобламоқ, тушунмоқ. *Бу ишга раҳбарлик қилсангиз, мен ўйлайман, яна бир хайрли ишни юзага чиқарган бўласиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Менинг дўқимдан кейин Одил қизларга хат ёзмайди, деб ўйлайсизми?* С. Зуннунова, Янги директор. *Зайнаб сиз ўйлаган келинлардан эмас.. худога шукур, ақл-ҳуши жойида.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қадамни ўйлаб босмоқ Фикр-мулоҳаза билан, ҳар томонини ўйлаб иш тутмоқ. *Мен сизга ёмонликни раво кўрмайман. Қадамин-*

гизни ўйлаб босинг, ука! С. Анорбоев, Оқсой. *Адашиш ёмон нарса. Адашиб қолмаслик учун эса қадамни ўйлаб босиш керак.* Газетадан.

ЎЙЛАМСИРАМОҚ Бирор нарса ўйлаётгандай бўлиб кўринмоқ, ўйлаб хаёл сурмоқ. *Алижон ўйламсираб,* [*Холнисо холага*] *қараб турган эди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Файзи бир дақиқа ўйламсираб, кейин таваккал қилиб, электр моторга ток улади.* Газетадан.

ЎЙЛАНМОҚ 1 Ўйламоқ фл. ўзл. н. ..*«Тушунаман», дегандай имо қилди-да, яна жим, ўйланиб ётаверди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу товуш менга жуда чуқур ўйланган қарор жарчисидек эшитилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мулоҳаза юритмоқ, хаёл билан банд бўлмоқ. *Бу ишлар давомида у ҳам Авазни қийнаб юрган нарсалар тўғрисида ўйланар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Мактабни очмасдан аввал ҳам.. бу тўғрида кўп ўйланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎЙЛИ *кам қўлл.* Ўй-мулоҳаза билан иш юритадиган; фикр-мулоҳазали. *Рустам эси кириб қолган.. ҳар гапнинг маъносини тушунадиган бўлган, ўйли, ақли кўп йигит эди.* «Муродхон».

ЎЙМА 1 Ўйиб ишланган, ясалган. *Ўртада, ўйма ўчоқда катта ҳўл тўнка уйни тутунга тўлдириб, бурқсиб ётади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўйиб, қириб, зарб қилиб безак ишлаш усули ва шу усулда ишланган безак, нақш. *Гавҳар ойна устига солинган катта бир ўйма нақш олдида Маҳкамни тўхтатди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Қоғозни усти ўйма гулли чарм жуздонга тиқиб, қалин китобни варақлашга бошлади.* Ойбек, Навоий.

ЎЙМАКОР 1 Тахта, ганч, мармар ва ш.к. га ўйиб, гул, нақш ишловчи уста. *Бу [эшик] қалин, бақувват тахталардан ясалган бўлиб, моҳир ўймакорлар безаган, уста бўёқчилар нақш берганди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Ўйиб, зарб қилиб ишланган; ўйма. *Олтин қуббачалар, ўймакор гуллар билан безанган эшикни очиб, кичикроқ, лекин серҳашам бир хонага кирди.* Ойбек, Навоий. *Унинг [Абдулла Болтаевнинг] қўли билан қилинган ўймакор нақшлар эскизи 1937 йили Парижда очилган санъат виставкасида ҳам юксак баҳо олди.* С. Қодиров, Қирқ китобнинг тўрт саҳифаси. *Табақалари кенг, очиқ турган ўймакор шамшод дарвоза Ҳасан овчини қаърига тортиб, ютиб юбормоқчидай.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЎЙМАКОРЛИК 1 Ёғоч, ганч, металл, тош ва б. ни ўйиш, йўниш йўли билан гул, нақш кабилар ишлаш; ўймакор касби. *Ўймакорлик билан шуғулланмоқ. Ўймакорлик тўгараги.* ▬ *Ўймакорликнинг чўққисига чиққан Худойберган муҳрканни ҳам албатта эслашади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Уста Усмон ёғоч ўймакорлигини биринчи бўлиб дутор, танбур, рубобга татбиқ этиб, асбобнинг гўзал бўлишига эришди.* Т. Баҳромов, Оҳанг хазиначиси.

2 Бирор нарсага ўйиб ишланган нақш, тасвир ва ш.к. *Болалар чизган суратдай соддагина ўймакорликларда.. ҳайвонлар.. одамлар тасвирланган.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎЙМАЛАМОҚ 1 Ўйиб ташламоқ, ўйиб, чуқурчалар ҳосил қилмоқ. *Болалар ҳовли юзини ўймалаб ташлашибди.*

2 Устма-уст, давомли тарзда ўймоқ, чимчиламоқ. *Умид ўз йўлида давом этди-ю, юрагини яна ногаҳоний бир алам ўймаларди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЎЙМОҚ I **1** Бирор нарса билан ковлаб, чуқур ҳосил қилмоқ; ковламоқ. *Ерни ўймоқ. Деворни ўймоқ.* ▬ *Тирноқ-ла ер ўйиб, сувлар оқизган Ғариблар аҳволи қоларди тангга.* Ғайратий. *Аваз учи тирсакка ўхшаш силлиқ тош топиб, бўзни ўйиб, икки қатор чуқурчалар ясади.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Чуқурча ҳосил қиладиган қисмини ажратиб олмоқ. *Мен ҳам лип этиб ҳужрага кириб, хумчадан ёғ ўйиб олдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Мана шу ёлғиз қўлим билан малъун Жапақнинг кўзини ўяман.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 Нақш, гул, тасвир ва ш. к. ишлаш учун бирор сиртга из, ўйиқ туширмоқ. *Супачада бир парча ганчга Наққош ўяр сўнгги нақшини.* Э. Раҳим. *Исломхўжа усталар билан саломлашиб, мармар тошга Огаҳий шеърларини ўяётган Худойберган муҳркан олдига борди.* Ж. Шарипов, Хоразм. [*Солижон*] *Такрорлайди дарсларин, Кўздан тугал ўтказар, Тошга ўйган хат каби Пухталаб дилга ёзар.* Қ. Муҳаммадий.

4 Емириб, ювиб, чуқур ҳосил қилмоқ. *Ойқиз бутун кучини йиғиб, Погодинни сув*

ўйган чуқурлик қирғоғига судраб келди.. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 *кўчма* Қаттиқ чимчиламоқ. *Роҳила* [*қизнинг*] *биқинини ўйиб олди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

6 *кўчма* Қаттиқ руҳий азоб бермоқ. *Юрак-бағримни ўйдинг, Мени номусга қўйдинг.* Ҳ. Олимжон.

Ўйиб олмоқ Қаттиқ таъсирли, таъзирли гап қилмоқ. *Алим бува мингбошини ўйиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..бирор нарсани баҳона қилиб, гап билан ўйиб-ўйиб олади.* О. Ҳусанов, Най.

ЎЙМОҚ II **1** Унча катта бўлмаган чуқурлик; чуқурча.

2 Кичкина, тор, бежирим. *Қизнинг қошлари ингичка, кўзлари мастона, сузукдан-сузук, бурни бежирим. Оғзи ўймоқ. Лаблари лоларанг.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ЎЙМОҚ III *шв.* Ангишвона. *Унинг нозик қирра бурни, ўймоқдаккина оғзи.. биринчи қарашдаёқ Мунавварни ўзига тортди.* С. Анорбоев, Меҳр.

ЎЙНАМОҚ 1 Дам олиш, кўнгил очиш мақсадидаги бирор эркин иш, машғулот, ўйин билан шуғулланмоқ (*қ.* **ўйин 1**). *Бекинмачоқ ўйнамоқ. Қорбўрон ўйнамоқ.* ▬ *Шу чоқ кўчада ўйнаб юрган қўшнисининг боласи Асад келиб қолди.* «Муштум».

2 Расмий иш-вазифалардан холи ҳолда дам олиш, сайр этиш каби ҳолатларда вақт ўтказмоқ. *Собирахон, Баҳрини ҳам олиб боринглар, ўйнаб келсин..* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Эрталаб Ёдгор Чарос билан тоққа чиқмоқчи эканини айтганда, Зойиржон қувонган эди.. «Яхши ўйнаб келинглар», деганини эслаб, баттар ўсал бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Мусобақа тарзидаги спорт ўйини билан шуғулланмоқ, шундай ўйинда қатнашмоқ (*қ.* **ўйин 2**). *Шахмат ўйнамоқ. Бильярд ўйнамоқ. Футбол ўйнамоқ.* ▬ *Мирмуродов дастлабки икки ўйинни, атайлаб қилдими ё бўш ўйнадими, ютқизди.* «Гулдаста».

4 Қимор ўйинида қатнашмоқ (*қ.* **ўйин 3**). *-Сиз билан ўйнамаса, ким билан ҳам ўйнайди, — деди гап оҳангини ўзгартириб* [*Турдимат чўтал*], *— товва пуккани ейди, олчи чиккани ейди дегандек, бой берсангиз нима, сиз ҳам ютиб юргансиз.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Кеча бир оз қарта ўйнаб.. Масковдан келган бир фавуркончи [фабрикант] ўриснинг тўрт минг сўмини ютибман.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Тана, оёқ, қўл ва қош-кўзларни куйга муқобил ҳолда ҳаракатлантирмоқ; рақс тушмоқ (*қ.* **ўйин 4**). *Бу жувон тановарга жуда яхши ўйнайди.* ▬ *Раис шавқ-завқ билан ўйнаб, даврани бир неча марта кезиб чиққач, пилдираб бир айланди-ю, бехосдан Ўрмонжонга ташланди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Саҳна асарида бирор ролни ижро этмоқ. *Гулсун куёв ролини ўйнар, Хонимбиби Кумуш ролида, иккисининг бир-бирисига қараб ўқишган лапарлари барчани кулдириб, ичакларни узар даражада.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Ниманидир қўлда ҳаракатга келтирмоқ, айлантирмоқ ва ш.к. *Фотима ерга қараб, рўмоли учини ўйнаб ўтирарди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Шарифжон терган пахтасини чангалида ўйнаб, гоҳ у, гоҳ бу қизга совға қиларди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. *Усмонжон, қўлида ниманидир эзғилаб ўйнаб ўтирган Адолатга қаради.* С. Зуннунова, Гулхан. *Ёрмат.. носқовоғини ўйнаб, ерга тикилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 Бировга гап, сўз билан тегишмоқ; ҳазил қилмоқ. *Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир!* Мақол. ▬ *Бугун бўлса* [*Кумушнинг*] *ўйнаб айтган сўзи жавобсиз ҳам қолдирилиб, бу ҳол яна унинг миясини қотирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 *кўчма* Турли-туман, шўх, ёқимли ҳаракат қилмоқ (жонивор ва нарсалар ҳақида). *Ҳовузда балиқлар тиниқ сувни тўлқинлатиб ўйнайди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Чайқалади денгиз беором.. Оқ чечакдек кўпиклар ўйнар.* Ғайратий. *Духоба гулларга дудоқ тегизиб, Ҳар саҳар шабада ўйнаб ётади.* Уйғун. *Беланчак бошида ўйнар парча нур.* А. Орипов.

10 *кўчма* Кўрк, гўзаллик акс эттириб ҳаракатланмоқ, пирпирамоқ, диркилламоқ. *Қизнинг қош-қовоқлари ўйнайди.* ▬ *Унинг* [*Инобатнинг*].. *озиб, кичкина бўлиб қолган юзи, узун киприклари ҳаяжон билан ўйнар эди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. *Лаъли паранжи-чачвонини оппоқ билагига ташлаб, севганига термилиб қолган; қора атлас кўйлагини туртиб чиққан қабариқ кўкраги бекни телба қилар даражада ўйнаб турибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

11 Ирғишлаш, шох ташлаш ва ш.к. тарздаги ўйноқи ҳаракат қилмоқ. *Осмонда озод қушлар ўйнаб-ўйнаб парвоз қилади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Эллигида айғир отдай ўйнайди..* «Ойсулув».

12 *кўчма* Қабариб, бўртиб чиқмоқ (мушак, томир кабилар ҳақида). *Териб қўйилган япалоқ ғиштлар устига чўкиб, томирлари ўйнаган, қалтироқ қўлига мўлгина нос тўкиб, тил тагига отди.* Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. *Машқ қиламан ҳар куни, Мускулларим ўйнайди.* Ю. Ҳамдам.

[**Бировнинг**] **ноғорасига ўйнамоқ** *қ.* **ноғора. Тупроғи ўйнамоқ** Тупроғи кўп миқдорда чиқиб ётмоқ. *Ётоққа кираверишдаги тупроғи ўйнаб кетган энсиз йўлакнинг бурчагида тагига занглаган челак қўйилган дастшўй жами уч хонада истиқомат қилувчилар учун хизмат қиларди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Юраги ўйнамоқ** *қ.* **юрак 1. Қаллиқ ўйнамоқ** *этн.* Расмий никоҳ тўйидан аввал бўлажак келин билан яширин учрашиб турмоқ.

ЎЙНАШ 1 Ўйнамоқ фл. ҳар. н. *У жуда зерикиб, нима ўйин ўйнашни, ким билан ўйнашни билмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Никоҳсиз яқин муносабатда бўлувчи эр киши ёки аёл (бир-бирига нисбатан). *Ўйнашга ишониб, эрсиз қолдим.* Мақол. ▬ *Расми, қиз бузилса, уни ўз ўйнашига беришади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўронбек ўйнашининг чинакам гўзаллигига қаноат ҳосил қилгандан кейин, отига қаради.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЎЙНАШЛИК Ўйнаш билан бўладиган муносабат, алоқа. *Одамнинг шундай хотини бўлса, боласи бўлса-ю, бировларнинг хотини билан ўйнашлик қилса-я.* И. Акром, Адолат.

ЎЙНАШМОҚ 1 Ўйнамоқ фл. бирг. н. *Кетишдилар қувлашиб, Ўйнашиб кула-кула.* Т. Тўла. *Болалар ҳар кунгидақа ошиқ ўйнашмади.. китобчаларни томоша қила бошлашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Жиддий эмас, ҳазил-ҳузул муносабатда бўлмоқ, менсимай муомалада бўлмоқ. *Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан.* Мақол. ▬ *Бу — бир кишининг чорак умри деган гап. Ҳа, қонун билан ўйнашиб бўладими!* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ўз никоҳида бўлмаган шахс билан яқин алоқада бўлмоқ. *Хуморхонни олмасдан, шундай ўйнашиб юраверсангиз бўлмасмиди?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ўша Холмат жиккакка ҳам ўйнашиб теккан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЎЙНОҚ *поэт.* **1** Тез ва енгил ҳаракат қиладиган; шўх. *Шаҳарнинг қалби Тўлқин бошлайди. Ўйноқ сувлардек.* Уйғун.

2 Завқ-шавқ бахш этадиган; енгил, шўх. *Кунлар келар, ўйноқ созингиз Севгиларни қилур тарона.* Ғайратий.

Юрак ўйноғи *қ.* **юрак 1**.

ЎЙНОҚИ 1 Тинч турмайдиган, серҳаракат; шўх. *Сойтўпининг аёллари хушрўй, ўйноқи бўлади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Махсус мулозимлар.. ўйноқи отни етаклаб келтирдилар.* Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Енгил ва ёқимли; шўх. *Баҳорнинг ўйноқи еллари.* ▬ *Машинанинг дарчасидан кираётган ўйноқи шабада дилларни қитиқлайди.* Т. Расулов, Марҳамат.

3 Завқ-шавқ бахш этадиган; шўх. *Сафарда ҳамроҳларига латифалар, ўйноқи қўшиқлар айтиб, кулдириб юради.* М. Осим, Элчилар. *Бир оздан сўнг Хоразмнинг ўйноқи куйлари чалиниб, шўх лазги бошланди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 *кўчма* Оёғи енгил, суюқ. -*Поччангнинг феъли-атворини биласан-ку, ўлгудай енгил, ўйноқи, — деди Ҳалима.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Жамшид базмини қурдик денглар. Жонон ж-жа ўйноқига ўхшайди, сизни ҳам илиб кетибди-да!* С. Анорбоев, Оқсой.

ЎЙНОҚЛАМОҚ 1 Тинч турмай, турли ҳаракатлар қилавермоқ, ўйнаб кетмоқ, ирғишламоқ. *Қўзичоқлар ўйноқлайди.* ▬ *Қуён боласи ўйноқлаб, оёқларини осмонга отиб югурар эди.* Х. Тўхтабоев, Шошқалоқ. [*Балиқ*] *Гоҳ ўйноқлар, гоҳ орқаси билан ётар, билтангларди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *«Оқтой» анчадан буён яйдов юргани учун, арава шотиси остига асти рўпара келмай, ўйноқлаб кетаверди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Шўх ҳаракат қилмоқ, ўйнамоқ. *Шеърда Чирчиқ дарёсининг ўйноқлаб оқиши, табиат манзарасининг тасвири ортиқча.* Э. Охунова, Пахтазор куйлари.

3 *айн.* **ўйнамоқ 12.** *Бирдан кўк томирлари ўйноқлаб чиққан.. Бектемир ака кўз олдига келди.* А. Мухтор, Чинор.

ЎЙПАРАСТ Ўй суришга мойил, кўп ўй сурадиган. *Мен хаёлни шеърга солдим, Ўйпараст бўлма ва лек, Бесамар бўлса сени*

Бир кун хароб айлар хаёл. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

ЎЙЧАН 1 Ўй билан банд бўлган, ўйга чўмган. *У шундай ўйчан, паришон ҳолатда булоққа яқинлашди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Нигора юлдузларга ўйчан тикиларкан, киприкларида ўша юлдузлардек жилваланувчи ёш томчилари қотди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ўйга, хаёлга кўп бериладиган; ўй, хаёл билан доимо банд бўладиган. *Ўйчан қиз.* ▬ *Бу ёлғиз ҳорғинликдан эмас, икки кун ичида кўрганлари уни қандайдир ўйчан, камгап қилиб қўйганди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Ўйга чўмганлигини акс эттириб турган. *Чол ўғлининг ўйчан кўзларига термилиб, Ботиралидан гапира кетди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Исроил Норматнинг ўйчан юзига қаради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *кўчма* Тинч ва сокин; худди хаёл сургандай. *Ўйчан оқшомлар! Салқин оқшомлар! Нашъага элтар.* М. Шайхзода. *Ўйчан кеча, тун ичра танҳо, Рауф Парфи, қолдик икковлон.* Р. Парфи, Кўзлар.

ЎЙЧАНЛИК Ўйчан ҳолат. *-Лекин, — деди Адолат ўйчанлик билан, — дадамга ҳали кўринганим йўқ.* С. Зуннунова, Гулхан. *Унинг нозик қирмизи юзида хафалик.. кўзларида чуқур ўйчанлик бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЎЙЧИ Ўйга, хаёлга кўп бериладиган ёки кўп ўйлайдиган киши. *Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади.* Мақол.

ЎКИЛ [*а.* وكيل — ишончли, ваколатли шахс] *шв. этн.* Никоҳ пайтида йигит ёки қиз томонидан кафилликка ўтувчи, вакиллик қилувчи киши; вакил. *Ўкил ота. Ўкил она.* ▬ *[Аваз:] Мен сизни бўлак одам деб туриб эдим, мен гапу авзойингиздан билдим: отамнинг ўкил энаси экансиз.* «Балогардон».

ЎКИН: ўкинга тушмоқ Ўкинмоқ, афсусланмоқ. *Тракторчилар Анор ака келганда, ҳазиломуз кутиб олган бўлсалар, унинг бу гапидан кейин хонадагилар бир-бирига қараб қўйишди. -Ўкинига тушганки, келган-да, — деди кимдир ёнидаги шеригига пичирлаб.* С. Маҳкамов, Катта рулда.

ЎКИНИШ 1 Ўкинмоқ фл. ҳар. н. *Бу нарсани илгари ўйламагани учун афсус қилди. Лекин энди ўкинишнинг фойдаси йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **ўкинч.** *Элмурод уни яхшигина кузатиб, ундан бирор ўкиниш изларини кўрмади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЎКИНМОҚ 1 Пушаймон бўлмоқ, афсус қилмоқ (асосан, ўз иши, қилмишидан). *Баҳодир ножўя ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ ўкинар, лекин иш ўтган эди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. *У [Умурзоқ], иш билан овора бўлиб кетиб, кечадан бери уйга келолмаганидан ўкинди, ўз-ўзини бепарволикда койиди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор саёқлигимдан жуда ўкинар эдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Умуман, хафа бўлмоқ, куйинмоқ. *Адолат фронтдан хат келганига хурсанд бўлди. Хурсанд бўлди-ю, Норматни, Олимжонни эслаб ўкинди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Унинг ҳазиллашиб бирон сўз айтмаганига қиз хурсанд бўлди, лекин шу билан баробар, кутилмаган бепарволигига ўкинди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЎКИНЧ Номақбул, кўнгилсиз иш, ҳодиса ва уни тузатиб бўлмаслик туйғуси туфайли юз берадиган ғамгинлик, хафалик; афсусланиш, афсус. *-Қувончми, ўкинчми, билиб бўлмайдиган аллақандай бир ҳис ичимни тимдалайди, — деди йигит.* С. Аҳмад, Таъзим. *Зумрад бу сўзларни шу қадар ўкинч, ажабланиш ва даҳшат билан айтдики, Самандарнинг кўзларидан дув ёш чиқиб кетишига оз қолди.* С. Кароматов, Қалбимда қуёш. *Ёрмат ёшли кўзларини йилтиратиб, ўкинч билан бошини тебратиб турди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎКИНЧЛИ Ўкинч ёки афсусланиш ҳисси сезилиб турадиган, ўкинч ифодаловчи. *-Мен бечора.. — деди Искандаро ўкинчли товуш билан.* Ойбек, Нур қидириб.

ЎКИРИК Қаттиқ йиғи овози. *Ойимбиби бу ўкирикдан бир чўчиб тушди, кейин шошилиб ўрнидан турди-да, ошхонага кириб кетди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *[Ҳаққул ота] Юрагининг бир парчаси узилгандай, сийнасидан қаттиқ ўкирик чиқаркан, Зуҳра буви қўрқувдан эсини йўқотгандай бўларди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар..

ЎКИРМОҚ 1 Кучли овоз чиқармоқ (йиғи овози ҳақида); ҳўнграмоқ. *Кутилмаганда Рихси холанинг кўнгли юмшади-ю, ўкириб йиғлаб юборди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Бақирмоқ, бўкирмоқ (инсон ва баъзи йирик ҳайвонлар товуши ҳақида). *Ҳоким халққа минг алпозда ўкириб, ҳаммани ҳақорат қилиб.. уйига қайтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Оғир юкли туялар бўйинларини осмонга кўтариб ўкирарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Жадал келаётган катта айиқ жуда хунук ўкирарди.* Газетадан.

3 *кўчма* Қаттиқ овоз чиқармоқ (жонсиз нарсалар ҳақида). *Ташқарида шамол ҳамон ўкирар.* М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Ўкириб тўхтади сўнгги замбарак, Жаҳаннам худоси қаҳ-қаҳдан тинди.* F. Fулом.

ЎКРАМОҚ *айн.* **ўкирмоқ 1.** *-Эй худо, нима гуноҳ қилдим мен сенга! – бошини столга қўйиб, ўкраб йиғлаб юборди Адолат.* С. Зуннунова, Гулхан. *Марзия бўш стулларга тикилиб.. ўкраб йиғлабди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ЎКРАНМОҚ *шв.* Эркаланиб босиқ овоз чиқармоқ; пишқирмоқ (от ҳақида). *Қашлагани отга ёқиб қолибди, Ўкраниб у гир айланиб турибди.* «Алпомиш». *Куйини тушунаётгандай отлар ҳам жим, ўкранмас, ҳўкизлар ҳам кавш қайтармай.. пиш-пиш нафас олиб, жим турардилар.* Н. Фозилов, Оқим.

ЎКСИЗ 1 Ота-онасиз, етим. *Ўксиз болалар.*

2 Бирор ёрдам берадиган кишиси йўқ; ҳимоясиз, бахтсиз, бечора, ўксик. *[Маҳкам:] Бу қандай зўравонлик! Қўл-оёғимизда кишан! Ўксиз она! Бахтсиз Иқболой. Миршабдан калтак еди-я!* Н. Сафаров, Уйғониш.

3 Fам ва ҳасратни ифодалайдиган; ғамгин. *Умидсизлик, ўксиз руҳ уни [Машҳадийни] бир зум ҳам тарк этмайди.* Ойбек, Навоий.

ЎКСИЗЛАНМОҚ Ачиниб афсусланмоқ, хафа бўлиб қолмоқ; ўксинмоқ. *У [Бектемир] дадаси кетидан томошага.. боролмай қолган боладек, ўксизланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЎКСИК 1 *сфт.* Бирор нарсадан афсусланиб хафа бўлган; эзилган; ғамгин, қайғули. *Ўксик кўнгил.* ▬ *Гўдакнинг ўксик йиғиси Ойша опага қаттиқ таъсир этди.* М. Исмоилий, Озодлик гулини ҳидлаган киши.

2 *от* Бирор нарсадан афсусланиб хафа бўлиш туйғуси; хафалик, ғам, қайғу. *У* [*Ҳури*] *кўкрагини тўлдириб хўрсинди. Қалбида зўр ўксик бор эди.* Н. Фозилов, Оқим.

ЎКСИКЛИК Ачиниб афсусланиш; хафалик, ғам, қайғу. *Ой нуридай кўзинг порлар яшин аралаш, Варақланар ўксикликнинг дафтарин қати.* F. Fулом.

ЎКСИМОҚ Бирор нарсага эриша олмаганлиги, бебаҳралиги, камситилганлиги ва ш. к. учун афсусланмоқ, хафа бўлмоқ, ғам чекмоқ. *Иккинчи она ва унинг болалари Очилга ёмон кўз билан қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда, у бегонасирар, сал нарсани кўнглига олиб ўксир эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бу гапларни эшитиб, Полвоннинг яримта кўнгли яна баттар ўксиди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЎКСИНМОҚ *айн.* **ўксимоқ.** *Элмурод, унинг* [*Гулсумнинг*] *бу қадар ўпкаси тўлиб, ўксиниб йиғлашининг сабабини суриштиришдан илгари, уни юпатиш лозим, деб ўйлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Ҳулкар:*] *Ойим раҳматли мени қиз туққанларидан ўксинар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎКТАМ 1 Бошқаларга ўз таъсирини, сўзини ўтказадиган; шижоатли, ўткир. *Маҳалланинг ўктам йигити.* ▬ *Ўрмон полвон, Бозор амин, Ҳайит амин ва бошқа ўктамроқ одамлар миршаб билан бирга даҳлизга қараб югурдилар.* С. Айний, Қуллар. *Шакарнинг димоғи баланд, айтгани айтган, дегани деган.. тенгқурлари ичида ўктам бўлиб, башанг кийиниб юрарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

2 Ҳиммати улуғ, олийжаноб, ҳотам, сахий. *Бўрихўжа уйида ҳам ўктам: синглисига дашном беришдан ўзини тиярди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Ўша барно йигит – ўктам бир аскар Юртини асрайди ёмон кўзлардан.* Б. Бойқобилов.

3 *кўчма* Ёқимли, хуш ифодали. *Энди унинг ўктам гаплари, қисқа, муайян буйруқларидан мамнун эди.* О. Ёқубов, Ларза. *Авазнинг қадди расо, бир мўйи қилт этмай, тахт томонга ўктам боқиб турарди.* С. Сиёев, Аваз.

4 Ўктам (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЎКТАМЛИК Ўктам шахсга хос хислат, хатти-ҳаракат. [*Мутал*] *Шундай ишонч, шундай ўктамлик билан гапирдики, гўё уч кун давом этган тергов унинг фойдасига ҳал бўлган!* О. Ёқубов, Ларза. *Fайратнинг юрагида кучли бир шиддат, ўктамлик, йигитларга хос ғурур борлигини Иқлима сезарди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЎКЧА *шв.* Оёқ кийимининг товони остига қоқилган қалин чарм; пошна. *Оёғида ўкчаси баланд қизил этик, елкасида милтиқ..* С. Сиёев, Аваз.

ЎКЧАЛИ *шв.* Пошнали, баланд пошнали. *Тўғайсари уларга тил учида салом бериб, ўкчали этигини суғурди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЎЛ-А *унд. с.* Бирор кимса ўз қилмишига яраша жазо олганда ёки унинг қилмишлари ўйлаганидек натижа бермаган ҳолатда унга таъна сифатида айтиладиган ибора. *Ўл-а, қўлга тушдинг-ку! Ўл-а, аҳволинг шу экан-ку!*

ЎЛАЙ: вой ўлай *унд. с.* Бирор нотўғри иш ёки хатти-ҳаракат туфайли ҳаяжонга тушганликни ифодалаш учун қўлланади (одатда хотин-қизлар нутқида). *Вой ўлай, нима иш қилиб қўйдинг!* ▬ *Вой ўлай, мен қандай қилиб айтаман?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎЛАКСА 1 Ўлган нарса; ўлик. *Баъзан ҳуриб қолади Ўлакса қидирган ит.* Ғайратий. *Девор ковагида моғор босиб ётган ўлаксага қўл уриб нима қиласиз.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Ўлар ҳолатга етган, ўта заиф, ўлимтик. *Ўлакса от. Ўлакса товуқ.*

3 Шундай ҳолатли нарсага нисбатли ҳақоратни билдиради. *..солиқни тўламайсан, йиғим деса, жонинг бўғзингга келади, ўлакса!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *с. т.* **ўлаксахўр.** *Мен бу софликка ўлакса қузғунлар қўнишини истамайман.* А. Мухтор, Чинор.

ЎЛАКСАХЎР 1 Ўлган жониворларни ейдиган, ўлимтик билан овқатланадиган. *Ўлаксахўр, сен мени ея олмайсан.* С. Азимова, О, Лайло.

2 *айн.* **тасқара 1.** *Боғда бургут, лочин, қарчиғай, қирғий, калхат, бойқуш, ўлаксахўрдан тортиб олатўғаноққача.. томоша қилишди.* Н. Назаров, Замон.

3 *кўчма* Ишламай, бошқалар ҳисобига яшайдиган; текинхўр. *-Сабаби маълум, — деди отам, — агар ҳашар тамом бўлса, бу икки юз ўлаксахўр текин овқатни қаердан топади ва отлари учун бепул ем, беда қаердан келади.* С. Айний, Эсдаликлар.

ЎЛАМСА *шв. айн.* **ўлакса 1.** *Бу бўрилар ўшанинг битта-яримта ўламсасини еб.. юришади.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

ЎЛАН I *айн.* **ўт** II. *Кўм-кўк ўланлар ва уларнинг орасидан илон изи бўлиб, қуёшнинг нурида кумуш тасмадай ярқираб турган ариқ ва ариқчалар кўриниб туради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Енгилгина эсган шамол димоққа турли ўлан исларини келтириб урар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЛАН II Халқ оғзаки ижодида, одатда тўй, гап-гаштак ва ш.к. да ижро этиладиган ашула, қўшиқ. *Ўлан айтмоқ.* ▬ *Қора-қора қўзилар Қўйни бошлар, ёр-ёр. Қалам қошли янгалар Ўлан бошлар, ёр-ёр.* М. Алавия. *Шўхшўх парвоз этар ўлан овози, Бахшининг қўбизи, созанда сози.* С. Жўра. *Тенгдошлар қўшиғи — дўстлик ўлани Қуёш йўлларида кетсин жаранглаб.* С. Акбарий.

ЎЛАНЗОР Турли ўт-ўланлар ўсган майдон; ўтзор. *Дарё, ўша ўланзор қирғоғу.. ёввойи жийда кундасидан бўлак ҳеч нима йўқ эди.* Р. Бекниёз.

ЎЛАНЧИ Ўлан айтувчи, қўшиқчи. *Жуда сулув қиз, ўланчи қиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшигида неча қўшчи, қўлончи, Бари — полвон, бари — чечан ўланчи.* М. Алавия.

ЎЛАРДАЙ *айн.* **ўларча.** *Ўлардай зиқна. Ўлардай ўжар. Ўлардай ишламоқ. Ўлардай чарчамоқ.* ▬ *Заргаров Қутбиддиновни ўлардай калака қилиб, тоза аламини олди.* А. Қаҳҳор, Ўжар.

ЎЛАРМОН 1 Нафсини тия олмайдиган; очкўз. *Ўлармон ҳўкиз болтадан тоймас.* Мақол. *Ёмон отга ёл битмас, Ўлармонга мол битмас.* Мақол.

2 Ўта берилган; муккасидан кетган. *Ичкиликка ўлармон одам.* ▬ *Ишратга ўлармон, нафси ёмонлар Хун дея, қул дея, пул дея босди.* М. Шайхзода.

ЎЛАРМОНЛИК Ўлармонга хос хислат, хатти-ҳаракат. *..устоз Қавомнинг «ўлармонлиги», беш қўлини баробар оғзига тиқиши ҳақида.. турли гаплар юрарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЎЛАРОҚ *кт.* Гапда ўзидан олдинги сўз ёки ибора маъносини таъкидлаш ва уни гапнинг кейинги бўлаги билан боғлаш учун қўлланадиган сўз. *У* [*Юсуфбек ҳожи*] *биринчи мартаба ўлароқ ўзининг ички касалини Нормуҳаммад қушбегига очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу ерда ер ислоҳотининг фойдасига ўлароқ бирмунча сўзлар бўлиб ўтди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЎЛАРЧА Ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари; ўлгудай, *Ўларча очкўз. Ўларча ичи қора.* ▬ [*Ойқиз хола:*] *Ёлғиз болам ўксимасин, яхши ўссин, деб мушук боладай папалаб катта қилдим. У бўлса ўларча ўжар, биркесар бола чиқди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЎЛАСИ: ўласи қилмоқ Ўлар ҳолатга келтирмоқ, чала ўлик қилиб ташламоқ. *Ўласи қилиб урмоқ.* ▬ *Мардон уларнинг* [*жаллобларнинг*] *гапига унамаганда, товонига беҳи таёқ билан уриб ўласи қилдилар.* М. Осим, Элчилар.

ЎЛАТ Одам ва ҳайвонларда ўлат таёқчаси қўзғатадиган ўткир юқумли касаллик; кўплаб ёки ёппасига ўлимга сабаб бўладиган касаллик, мас., вабо. *Қишлоқлар узоқ давом этган ўлат ёки уруш натижаларида хароб бўлгандай вайроликка юз тутган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бу аҳвол умумий вабо ва ўлат эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

Ўлат тегмоқ Ўлатга дучор бўлмоқ. *Чиндан ҳам у ўзини танимаслик даражасида олдирган, ўлат теккан кишилардек, кўзлари ичига чўкиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЛГАНДА *с. т.* **1** Феълнинг тасдиқ шакли билан қўлланиб, инкор маъносини ифодалайди; ҳеч қачон. *Ўлганда ақл киради сенга! Ўлганда одам бўлади!*

2 Энг камида, кам деганда, ҳеч бўлмаса. *Бу чамадон ўлганда йигирма кило келади.*

ЎЛГУ(Н)ДАЙ, -дек 1 Ўладиган даражада, ўласи қилиб. *Бек хирмонда бекиниб ётган деҳқонни ўлгудай калтаклади.* Ғ. Расул, Адолат. *Дарров бир киши аравага юборилди, биттаси, ўзига келармикан деб, ўлгудек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига сув сепиб эди, қимир этмади.* А. Қодирий, Улоқда.

2 Ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари; ўларча. *Кўринишда мутавозе, лекин аксари ҳақиқатда ўлгудай кибрли, димоғдор мусулмон бойларини кўриш мумкин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўлгундай безбет экансан-да, Набигул!* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Каримжон бўш-баёвгина, ўлгудек содда, бўшашган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЎЛГУНЧА 1 Ўлмоқ фл. чегара шакли. *То ўлгунча шу ўлкада қол.* Ҳ. Олимжон.

2 *айн.* **ўлгу(н)дай.** *Ўлгунча бахил. Ўлгунча инжиқ. Ўлгунча калтакламоқ.* ▬ *Махдум уларни ўлгунча ёмон кўриб.. эшикдан қайтаришга тиришар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎЛДА-ЖЎЛДА *рвш.* **1** Тартибсиз сочилган ҳолда, ҳар қаерларда. [*Зуҳра:*] *-Идорасида тартиб йўқ, хўжалиги ўлда-жўлда десанг-чи! — деб жаҳли чиқар эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Чарчаб қолишди йўлда, Қанчаси қолиб кетди, Етолмай, ўлда-жўлда.* Т. Тўла.

2 Охиригача етказилмаган, чала ҳолда. *Энди биз бу ишни ўлда-жўлда ташлаб кетмаймиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЎЛЖА 1 Душман устидан ғалаба қилиш туфайли қўлга киритилган нарса. *«Ғозилар» эрталаб соат ўнларда уйқудан уйғондилар, сўнгра ўлжа ва тутқунларни бўлиш иши бошланди.* С. Айний, Қуллар. *Элмурод кечаёқ раисга ваъда қилган, қишлоқда қўлга туширилган ўлжа қуролларни топширди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Сафарқул ўлжа милтиқларни ўз одамларига кўтартириб, кўчага чиқди.* С. Айний, Қуллар.

Ўлжа қилмоқ (*ёки* **олмоқ**) 1) куч ишлатиб қўлга киритмоқ. *Ёш экан, жон ширин, ваҳм олади. Номард бўлса, отни ўлжа қилади.* «Ширин билан Шакар»; 2) *кўчма кест.* қулай фурсатдан фойдаланиб, бирор нарсани текинга олмоқ, ўзлаштирмоқ; ўғирламоқ.

2 Овда қўлга тушириладиган, тутиб ёки отиб олинадиган нарса; ов. *Ўрмон қатларидан шиддатли овоз, Ўлжасини титар ёввойи махлуқ..* С. Акбарий. *Пастлаб келиб, энди ўз ўлжалари устига қўнмоқчи бўлаётган қора қушлар бирдан баландлашди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Кечки пайт улар қармоқларни соҳилга боғлаб қўйиб, каттагина ўлжа билан қайтдилар.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЎЛИБ-НЕТИБ: ўлиб-нетиб қолмоқ Ўлиб қолмоқ ёки бошқа бир фалокат юз бермоқ. *Киши молини сақлаш бениҳоят қийин, ука.. Ўлиб-нетиб қолса, балога мен қоламан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЛИБ-ТИРИЛИБ Бутун кучни сарфлаб, астойдил ҳаракат қилиб, тиришиб; тиштирноғи билан. [*Норбой ота:*] *Ўлиб-тирилиб ҳисор зотини хиллаганман, юз йигирматадан қўзи олганман.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Бизлар кўчага чиққанимизда, фашистлар ўлиб-тирилиб қаршилик кўрсатишарди, баъзилари машиналарда қочишарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ЎЛИК 1 Ҳаёти тугаган; ўлган, жонсиз; *зид.* **тирик.** *Солдилар бир наъшга [тобутга] икковни – Жонсиз келину ўлик куёвни.* Алишер Навоий. *Жой олди қучоғингдан Сонсиз ўлик тан. Ким не қилди кимларга, Билмайсан, недан?* Ғайратий.

2 *от* Жонсиз тана; жасад, мурда. *Кейинги вақтларда жаноза ўқиб, ўлик кўмиш одати ҳам барҳам еди.* С. Айний, Қуллар. *Кўчалар тўла ўлик.. Куйиб бўлган бинолардан тутун бурқсайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Аваз ветврачни чақирган эди, қўйларнинг ўлигини кўриб: -Ёндириб, кўмиб ташланглар, – деди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

3 *кўчма* Ўз хусусиятини (сифатини) йўқотган, қотиб, яроқсиз ҳолга келган. *Ўлик оҳак. Ўлик цемент. Ўлик чигит.* ▬ *Оҳак қиёми кетса, Қотиб бўлар ўлик ганж.* Қ. Муҳаммадий.

4 *кўчма* Жон асари йўқ, мурданики сингари. *Ўртада ўн тўртта минглик қоғоз уюмини кўргандагина, Қулматқоранинг ўлик кўзларига пича жон кирди, ўрнидан қўзғалиб, чўкка тушиб ўтирди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *..Мастуранинг юзидан ўлим пардаси кўтарилгандай, ҳаёт тўла кўзлари ўлик юзига жон киргизгандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

5 *кўчма* Ҳаётдан нишона йўқ; кимсасиз, ҳаракатсиз. *Ўшандай ўлик қишлоқда бойқушга ўхшаб кимдир истиқомат қилади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кимсасиз, ўлик кўринган дашт одамлар билан жонланиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 *кўчма* Таъсирсиз, ҳис-ҳаяжон уйғотмайдиган, зериктирадиган. *Кундалик ҳаётимизда шунақа ўлик нутқларни озми эшитамиз!* А. Қаҳҳор, Қуюшқон. *Заруратсиз, ички дардсиз, эҳтироссиз ёзилган асар ўлик бўлади.* Газетадан.

7 Бисотда сақланадиган, ишлатилмайдиган мол ҳақида (маблағга нисбатан қўлланади). *Ҳеч нарсани олдин олиб қўйиш керак эмас, чунки пул бекор банд бўлиб, ўлик ҳолда қолади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Ўлик табиат Ҳайвонот ва ўсимлик оламига мансуб бўлмаган нарсалар; тирик организмлардан бошқа жисмлар мажмуи. **Ўлик тиллар** Ёзма манбалардан маълум бўлган, ҳозир кундалик ҳаётда қўлланмайдиган тиллар. **Ўлик уйқу** *қ.* **уйқу 1. Ўлик эт** Тирик организмнинг касаллик ёки қариш туфайли ўсиш, ривожланишдан тўхтаган, кўпинча кўчиб, тушиб кетадиган қисми. **Яранинг ўлиги** Яра ичида қотиб қолган фасод. **Ўлса, ўлиги ортиқ** Бир неча марта яхши. *..ўзи кўчиб кирган уйнинг ҳам эски қўрғончасидан «ўлса, ўлиги ортиқ» бўлиб, бола-чақаси яйраб қолганини мақтай кетди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси – оқпадар..

ЎЛИКХОНА Мурда сақланадиган, ёриб текшириладиган ва кўмиш учун бериладиган махсус бино.

ЎЛИМ 1 *биол.* Организм ҳаёт фаолиятининг бутунлай тўхташи, тугаши; ортга қайтмас жараён, ҳужайра ва тўқималарда физиологик жараёнлар тўхтаб, ортга қайтмас ҳолат содир бўлиши.

2 Инсон ёки ҳайвон ҳаётининг тўхташи; вафот, қазо. *Отнинг ўлими – итнинг байрами.* Мақол. ▬ *Гулнор ўлимининг учинчи куни Самарқанддан уларнинг бир қариндоши.. келган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Белбоғ олиб келган одам ўлим олдидан марҳумнинг нималар дегани ва қайси самоварда учратгани, бировни кўп тилга олганини сўзлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Жон таслим қилиш, жон бериш жараёни, вақти. *Майли, сиз учун ўлимга ҳам тайёрман.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Лекин, Гулнорнинг ўлими олдида айтган сўзларини Гулсумбиби ўз эрига уқтирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хайрият, ўлим чекинди, икки ойдан сўнг бемор оёққа турди.* Газетадан.

4 *с. т.* Ўлим юз бериши ва у билан боғлиқ ҳолат, шароит, жараён. *Ўзингиз биласиз, бултур падар марҳум бўлган эдилар, бугун бошимизга яна ўлим тушадиган бўлиб қолди, тоғам Ҳомидни аллакимлар чавоқлаб кетибдилар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўлим – тўй эмас, борнинг пулини сочади, йўқнинг сирини очади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Ўлим жазоси Айбдорни ўлдириш кўзда тутилган жазо чораси. *Бу ярамаслар ўлим жазосига ҳукм этилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ўлим тўшагида ётибди** Ўлими жуда яқин, ўлим ҳолатида. *Ўлим тўшагида ётганида ҳам ҳазилини қўймаган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. **Ўлимдан хабарим бор, бу гапдан (***ёки* **нарсадан) хабарим йўқ** Бирор нарсадан хабарсизликни алоҳида таъкид билан ифодаловчи ибора. *Бекор гап!*

Ўлимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ.. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ЎЛИМ-ЙИТИМ Ўлим ёки бошқа бир сабаб билан ажраб қолиш, абадий йўқотиш. *Ҳар нарса бўлса бўлсин — ўлим-йитим бўлмасин.* ▬ *Илҳомжон, ўз одатига кўра, яна бахтсиз ҳодисалар, ўлим-йитим ҳақида гапира бошлади.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЎЛИМЛИК *этн.* Кимсанинг ўз дафн маросимлари учун олдиндан ажратиб, сақлаб қўйиган буюмлари ёки пули. *68 ёшли кампир Ҳамро хола машина ҳайдашни билмайдиган ўғлига «Москвич» олиб берибди. Бу машина кампирнинг ўлимлиги эмиш.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Меҳрибон буви.. эски пешонабоғига тугилган бир даста пулни чолига узатди: -Мана буни қўшиб қўйинг, буваси, ўлимлигимга йиғувдим.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЎЛИМНОМА *кам қўлл.* Бирор кимсани ўлдириш, йўқ қилиш ҳақидаги ёзма ҳукм ёки буйруқ. *Зарба бердик беомон бир яшин каби. Ўлимнома бўлмишди халқнинг ғазаби.* Уйғун.

ЎЛИМСА *шв. айн.* **ўлакса 1.** *-Меҳмонлари ўлимса бўлса, ўзи ўлимсахўр, — деди.. бири.* С. Айний, Қуллар.

ЎЛИМСАХЎР *шв. айн.* **ўлаксахўр 1.** *Сен ўлимсахўр, мурдахўр бир ҳайвонсан.* С. Айний, Жаллодлар.

ЎЛИМТИК 1 Ўлган жонивор, ўлик, ўлакса. *Қузғун, қорақуш, тасқара каби қушлар ўлимтик билан озиқланади.*

2 Ўлар ҳолатга етган; ўлакса. *Бу ўша абжағи чиққан жаҳонгир. Бу ўша, ўлимтик жодугар, айёр.* Уйғун. *Бу ўлимтикни қаердан топиб келдингиз. Биз берган зотли сигирнинг учдан бирига ҳам тўғри келмайди-ку.* «Муштум».

3 Заиф, кучсиз. *Чиммат орқасидан ўлимтик товуш эшитилди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Девордаги кўкиш тун чироғи ўлимтик нур сочади..* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

4 *кўчма* Очкўз, қурумсоқ. *Ўлимтик одам.*

ЎЛИМТИКЛИК Очкўзлик, қурумсоқлик. *Ўзининг ўтакетган ўлимтиклиги билан, пайтини топганда, оғиздаги ошга ҳам чанг сола бошлаган Махзумнинг хатти-ҳаракати мурид ва мухлисларнинг асабига тегди.* Ғайратий, Довдираш.

ЎЛИМТИКХЎР *айн.* **ўлаксахўр.** *Кўзини очиб, осмонда самолётлар ўрнида пастлаб чарх урган ўлимтикхўрларни кўрди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЎЛКА 1 *айн.* **мамлакат 1.** *Бир сўз билан айтганда, республикамиз импорт ўлкасидан экспорт ўлкасига айланиб бормоқда.* Газетадан.

2 Мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бирликка эга бўлган бирор қисми. *Хоразм кўп узоқ ўлка, «Муштум» тоға чиқар йўлга..* «Муштум». *Шоҳрух мамлакат бутунлигини сақлаш ва ўзига содиқ амирзодаларни ўрни-ўрнига қўйиш мақсадида.. вилояту ўлкаларга кўпроқ ўз ўғилларини юборди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *кўчма* Бирор нарса, ҳодиса кўп бўлган, ишғол этган, қоплаган. *Чўпон қўбизининг мунгли куйлари эл кўрмаган қизалоқни афсоналар ўлкасига олиб кетарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Бир мамлакат — кекса, жафокаш, Қадим давлат, қумлар ўлкаси.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Нурхона Бекобод шаҳридан бир неча чақирим йироқликда, «шамоллар ўлкаси» — Фарҳод қоялари яқинида барпо этила бошланди.* Газетадан.

ЎЛКАШУНОС Ўлкани ўрганувчи. *Ўлкашунослар тўгараги.*

ЎЛКАШУНОСЛИК 1 Ўлкани ўрганиш иши; ўлкашунос касби. *Ўлкашунослик — қизиқарли машғулот.*

2 Ўлкани ўрганиш ҳақидаги фан; мамлакатнинг бирор ҳудуди ҳақидаги тарихий, географик ва ш.к. билимлар мажмуи. *Машҳур табиатшунос А. Федченко юрган йўллар, у очган музликлар, ўлкашунослик фанига қўшган ҳиссаси бизни қойил қолдирмоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЎЛМАС 1 Ўлмоқ фл. бўлишсиз сфдш. *Ҳунарли ўлмас, ҳунарсиз кун кўрмас.* Мақол. *Бир кунга ҳўкиз ўлмас, Икки кунга эгаси бермас.* Мақол.

2 Кишилар хотирасида доим сақланадиган, унутилмайдиган, ҳамиша тилга олинадиган. *Ўлмас асар. Ўлмас кашфиёт.* ▬ *Кимсасиз кўринган кечада, хилват, баҳайбат тоғда.. киши хаёлига ўлмас афсоналар келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ўз қадри, қимматини йўқотмайдиган, ҳамиша керак бўладиган. *Ўлмас мол. Ўлмас буюм. Ўлмас ҳунар.*

4 Ўлмас (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЎЛМОҚ I **1** Ҳаёти тугамоқ, яшашдан тўхтамоқ, қазо қилмоқ. *Ўз ажали билан ўлмоқ. Йиқилиб ўлмоқ. Ботир ўлса, номи қолар, Номард ўлса, неси қолар.* Мақол. ▬ *Кечга яқин йўл устида ярадор лейтенант ўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бунинг устига кутилмаганда бир сурувдан устма-уст иккита қўй касалланиб ўлди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Йўқ бўлмоқ, барҳам топмоқ. *Ҳаваси ўлмоқ. Иштаҳаси ўлмоқ.* ▬ *Муҳташам саройларнинг зиёси кетган, Ўлаётган синфдек зиёси кетган.* Ғайратий. *Ер юзида ўлмасин, номингни сақлаб қолгин.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 Бирор сифати, хусусияти ва ш.к. ни йўқотмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ. *Ўлган оҳак.* ▬ *Робия хола қайноғи ўлиб қолган чойдишга ўт қалаб юборди.* С. Зуннунова, Олов.

4 Бирор ҳаракат-ҳолат таъсирида жуда ночор, оғир аҳволда қолганликни билдиради. *Мирмуродов соатни бир амаллаб олти қилгунча ўлаёзди.* «Гулдаста». *Э, вокзалнинг олдида ўлдим-чарчадим, афтимнинг куясини кўр.* Ойбек, Болалик.

5 *кўм. фл. взф.* Етакчи феъл билдирган ҳаракатни кучайтириб ифодалайди, ортиқ даражасини қайд этади. [*Тўйбека:*] *Мени эрга берганларида, сенга ўхшаш мен ҳам йиғлаган эдим, аммо ичимда никоҳ кунининг тезроқ келишини кута-кута ўлган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Қимматхон ҳар келганида, она сигирдай ялаб-юлқаб ўлади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

Ажалидан беш кун бурун ўлмоқ Ўз ажалидан илгарироқ, бевақт дунёдан ўтмоқ. [*Кумуш:*] *Ўғрилар тешиб, олдимга чиққанларида, мен нима қилар эдим? Оҳ, отажон! Мен ажалимдан беш кун бурун ўлар эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Уятга** (*ёки* **номусга**) **ўлмоқ** Қаттиқ хижолат чекмоқ, изза бўлмоқ, уялиб ўсал бўлмоқ. *Сидиқжон номусга ўлиб, ғазабидан кўзига қон тўлиб, нима қилишини билмай, хийла туриб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Эти ўлмоқ** 1) бадани сезмайдиган, ҳис қилмайдиган бўлиб қолмоқ. *Дарра келгунча этим ўлиб, дарра еганим билинмайди.* «Латифалар»; 2) таъсирланмайдиган бўлиб қолмоқ; кўникиб, одатдагидай қабул қиладиган бўлмоқ. *Ё ғирт содда, ё анойи.. ёки аёлларни кўравериб.. Поччаев аччиқ ҳазил, кинояли гаплар, ҳатто калака қилишлар ҳам кор қилмайдиган бўлиб, эти ўлиб қолган эди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Ўлай агар** Иш-ҳаракат, гап-сўз ва ш. к. нинг чинлигини алоҳида таъкидлайди. *Ўлай агар, кўрганим йўқ.* ▬ *..ўлай агар, бор-йўқ пулим шу, мен мусофирман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Ўлганнинг кунидан** Бошқа иложи бўлмаганидан. *Ўлганимнинг кунидан рози бўлдим.* ▬ *Ўлганимнинг кунидан чолга тегиб бораман.* «Қўшиқлар». **Ўлганнинг устига кўмган** Бир кўнгилсизлик устига бошқасининг юз беришини ифодаловчи ибора. *Буниси ўлганнинг устига кўмган бўлди.* «Муштум». **Ўлганнинг устига (чиқиб) тепмоқ** *айн.* **ўлганнинг устига кўмган.** *Худойга шукур, қўлингда хатинг бор, ўлганнинг устига чиқиб тепгандек хат-хабарсиз қўйма!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўлиб бўлдим** *ёки* **ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим** Бирор нарса ҳаракатида, таъсирида жуда ҳолдан тойганликни, ўлар ҳолатга етганликни билдиради. *Уҳ, ўлиб бўлдим, қизим! Ёлғиз қўйни ҳайдаш нуқул азоб!* Ойбек, Танланган асарлар. *Юпатгунимизча эр-хотин ўлиб бўлдик.* С. Зуннунова, Янги директор. *Шарифжон, ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим. Бу поччанг мени адо қилди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ўлиб турган** (*ёки* **юрган**) **экан** Жуда хоҳлар, жуда иштиёқманд экан. *..дўндиқчангни муҳайё қилиб берайлик, дедим. Жонкелди ўлиб турган экан, қулоқ қоқмай, хўп, деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бирорта ҳамёни каттароққа пулласам, деб томоғи қақраб ўлиб юрибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўлмаган менинг жоним** (*ёки* **сенинг жонинг**) «Мен бундан баттарига ҳам чидаганман»; «фақат сен чидайсан, шунча чидабсан» маъносидаги ибора. *Вой, Марасул ака-ей, ўлмаган сизнинг жонингиз! Бу шаллақи билан қанақа умр қилиб келаётибсиз?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Ўлса ҳам** Қатъий инкорни билдиради. *Ўз отасини сийламаган, ўлса ҳам бизни одам ўрнида кўрмас!* «Ёдгор».

ЎЛМОҚ II *эск.* Бўлмоқ. *Бу кунлар бошимизда бир сахоб ўлса, ажаб эрмас.* Завқий. *Лутфу карамингиз ила кўнгилларимиз чароғон ўлиб.. дуои жонингизни қилмоқ ила хурраммиз.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЎЛПОН *тар.* Ердан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ; ер солиғи. *Бир кун хоннинг ўлпон йиғувчилари қишлоққа чиққанларида, Ботирали уларни қаттиқ ҳақо-*

рат қилибди. Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. [*Жайноқ:*] *Хўжайинининг подшоликка ўлпон тўлаганда, биз тўламабмизми?* Н. Сафаров, Уйғониш. *Сенларга неча қур айтдим-а: қарзларингни тўлаб қўй, ўлпонни бер, деб. Қулоқ солдингларми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎЛПОНЧИ *тар.* Ўлпон йиғувчи. *Кузга бориб ошлик ҳам, пахта ҳам ёлчитмади. Бир ёқдан ўлпончилар зуғум қилади.* С. Сиёев, Аваз.

ЎЛТАНГ *шв.* Сув тақсимловчи тўғон, сув тақсимлагич. *Тошсоқа магистрал каналининг ҳам қути учиб қолган — сув ўлтангда шилдираяпти.* Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

ЎЛТИРИШ *эск. айн.* **ўтириш 1.** *Энди Раъноннинг, ҳар ҳолда, чиқишини билса ҳам, бироқ қачон чиқишини билмас, шунга биноан бир хўроз чақириғи ўтгунча кутиб ўлтиришини чамалар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎЛТИРМОҚ *эск. айн.* **ўтирмоқ.** *Тўғри сўзламайсиз, Отабек, бу кунгача меним кўрпачамда ўлтириб юрган Шокирбек отли бир йигит эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЛЧАГИЧ Нарсанинг ўлчамини белгилаш, ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб. *Ўлчагич билан текшириб кўрмоқ. Ўлчагич воситасида аниқланмоқ. Ўлчагич асбоб.* ▬ *У ерда лабораториядагидай эгри-бугри шиша найчалар, шиша идишлар, ўлчагичлар, электрокамера, ҳар хил асбоблар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Вақт ўлчагич — соат кашф этган Ҳожи Муҳаммадга Темурхон бир хуржун олтин инъом этган экан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЎЛЧАК *шв.* Ўлчов, ўлчам. *Амлокдор уларга [деҳқонларга] ҳам илгаридан экилиб келган ерлар қаторида бир ўлчакдан солиқ солди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ЎЛЧАМ Нарсанинг ҳажми ёки катта-кичиклигини ифодалайдиган рақам кўрсаткичи; ўлчов; размер. *Ўлчами 3 м бўлган хона. 500 см ўлчамдаги идиш. Бош кийим ўлчами.* ▬ *Қадимги юнон олимлари Ернинг шаклини аниқлаш билан бирга, ўлчамларини топиш билан ҳам шуғулланишган.* «Фан ва турмуш».

ЎЛЧАМЛИ Ўлчамга хос бўлган; ўлчамдаги. *Қисқа ўлчамли кабеллар проценти меъёрдагидан анча камайди.* Газетадан.

ЎЛЧАМОҚ 1 Ўлчов асбоби воситасида нарсанинг узунлиги, ўлчамини белгиламоқ. *Ёғочнинг узунлигини ўлчамоқ. Майдон сатҳини ўлчамоқ. Оқаётган сув миқдорини ўлчамоқ. Етти ўлчаб, бир кес.* Мақол. ▬ *Қани, яхши қиз, ўрнингиздан туринг, бўйингизни ўлчаймиз.* И. Раҳим, Ихлос. *Сотувчилардан бири сут ўлчамоқда..* «Муштум».

2 Фикр-мулоҳаза билан чамасини, ҳисобини қилмоқ, белгилашга ҳаракат қилмоқ. -*Кечаси бир маҳалгача гаплашиб, ҳамма бўладиган гапни ўлчаб, чамалаб кўрдик, — деди чол.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Ҳасанали*] *Бу икки турли масаланинг ўнг-терсини айлантириб муҳокама қилди ва ўлчади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўз гази билан ўлчамоқ *қ.* **газ** I.

ЎЛЧОВ 1 *айн.* **ўлчагич.** *Ақлнинг ўлчови — идрок.* Мақол. ▬ *Хонанинг бурчагида Меъморнинг асбоблари: ўлчовлар.. андоза, курак, теша, табар, чўқморлар ҳам тўплаб қўйилган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *айн.* **ўлчам.** *Сочларини чамбар қилиб олган навбатчи қиз, бир ўлчовда кесилиб, патнисда терилган қора нонларни Элмуродга тутади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ўлчов бирлиги Муайян катталикни миқдоран баҳолаш учун асос қилиб олинадиган катталик.

ЎЛЧОВЛИ 1 Муайян ўлчовдаги, белгили ўлчовга эга (бўлган). *Озиқ-овқат ўлчовли.* ▬ *Гоҳи озроқ, гоҳ зиёда — Ўлчовли фурсат берилар, Ким суворий, ким пиёда — Умри омонат берилар.* Б. Бойқобилов.

2 Муайян бир ўлчовда, бир хилда, бир текисда содир бўладиган; бир хил. *Кўкрагига автоматлар осган, ўлчовли одимлар отиб, қора булутдек масофани қамраган, қалин фашист тўлқини келмоқда.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЎЛЧОВСИЗ 1 Ўлчами аниқ бўлмаган, ўлчанмаган. *Ўлчовсиз ҳосил. Ўлчовсиз мато. Ўлчовсиз ер.*

2 Ўлчаб бўлмайдиган даражада; кўп, беўлчов. *Бир онда у* [*Йўлчи*] *ўз кучининг ўлчовсиз даражада ўсганини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎЛЧОҒЛИ *айн.* **ўлчовли.** *Азизим, вақт жуда ўлчоғли. Ишни бир оз жадаллаштириб юборасиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Биттагина взвод, қурол, ўқ-дори ҳам ўлчоғли.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЎМАРМОҚ *с. т.* Яширинча олиб кетмоқ, ўзлаштирмоқ; ўғирламоқ. *Савват-са-*

ват пачақ тухумларни пулловчи қаллоб одамлар.. бу ердан анча пулни ўмариб кетар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ўғил деди: -Шу фурсат қулай: Отам йўғ-у, пулни ўмарай.* С. Абдуқаҳҳор. *Чойдан ур, деса мойдан ҳам ўмариб қоладиган баъзи ходимларига кўз югуртириб чиқиб, сирли овоз билан шундай деди..* «Муштум».

ЎМБАЛАМОҚ *шв.* Мункимоқ, мункиб йиқилмоқ. *Зиёбекнинг оти бирдан шудгорга келиб ўмбалаб қолди.* Н. Фозилов, Оқим.

ЎМБАЛОҚ: ўмбалоқ ошмоқ 1) бошини қуйи ёки орқага ташлаб ағнамоқ, айланма ҳаракат қилмоқ. *Дарвоз узун лангарни ушлаб, арқондан юқорига ўрмалаб бормоқда, ўмбалоқ ошиб ўйнамоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм. *..бир тўда каптар катта даврада парвоз этар, учиб бораётган ерида ўмбалоқ ошиб ўйнарди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар; 2) худди шу тарзда қуламоқ. *Кенжа жон ҳолатда отни қамчиларкан, от.. мункиб кетди. Кенжа тошга ўмбалоқ ошиб тушди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

ЎМБОҚ-ДЎМБОҚ Сирти тепалар ёки чуқурликлар билан қопланган; баланд-паст, нотекис. *Ўнқир-чўнқир, ўмбоқ-дўмбоқ жойлар текислангач, чўлга анча файз кирди.* М. Назаров, Сирли хат.

ЎМГАК *с. т.* Ўмган. *Худоёр, чарчаган кишидек, стол қиррасига ўмгагини тираб олди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *От мункиб кетиб, ўмгаги билан шағалга қадалди-да, ағнаб, бир неча минутнинг ичида ўла қолди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

ЎМГАН Кўкрак, тўш. *Ўткир сўз ўмганни тешар.* Мақол. ▬ *Бериб ўмганни ерга, гоҳ эмаклаб, Тикиб кўз, ун чиқармай, лабни тишлаб.* Ҳабибий. *Ниҳоят, Пўлат Қосимий аста ўмганини кўтарди.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш. *Тирноқча ножўя сўз.. унинг таъбири билан айтганда, ўмганини тешиб ўтарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЎМГАНЛАМОҚ Кўкрак кучи билан ўзига йўл очмоқ, кўкрак кериб, олға интилмоқ; бор кучи билан олға интилмоқ. *Бош кўтармасмиз теримни дўндириб, қойил қилиб, Интилиб, ўмганлаб, олға сурмаслик то бошқача.* Ҳабибий.

ЎМИЗ 1 Елканинг қўл билан туташган қисми. *У менинг ўмизимдан Бир отадай ушлади.* Миртемир.

2 *махс.* Кийимнинг енг ўтказиш учун ўйиладиган жойи.

ЎМИЛДИРИҚ Икки учини эгарнинг олд қисмига, учинчи учини отнинг ўмрови орқали ўтказиб, айилга бириктириб қўйиладиган безакли қайиш тасма (эгарнинг орқага сурилиб кетмаслиги учун хизмат қилади). *Қўшиннинг икки ёни ва орқа томонини ҳимоя қилиб турган отлиқлар сувлиғини чайнаб, тилла ўмилдириқларини офтобда ярқиратиб турган сафсиз арғумоқларнинг бошини қўйиб юборадилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Бошида кумуш юган, кўксидаги ўмилдириқларида ҳам кумуш қуббачалар бор.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЎМРОВ *айн.* **кўкрак.** *Иброҳимбек попукли лўла болишни тортиб, тиззасига қўйди. Унга ўмровини тираб олди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Сув гупчакдан ошиб, отнинг ўмровига чиқди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЎМРОВДОР *айн.* **ўмровли.**

ЎМРОВЛАМОҚ *кам қўлл.* Ўмровни ишга солиб, ўмров билан олға интилмоқ, ўмганламоқ. *Бульдозерлар дўнгларни ўмровлаб сурди.* Й. Шамшаров, Енгиш.

ЎМРОВЛИ Ўмрови кенг; кўкракдор. *Арслонқул барваста қомат, ўмровли, содда, ўн саккиз яшар йигитча эди.* Ойбек, Навоий. *Ўмровли не полвонлар Йиқилди майдон ичинда.* «Равшан».

ЎН 10 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Иккита беш ўн бўлади. Ўн километр. Ўн киши. Ўн марта. Бирни кессанг, ўнни эк.* Мақол. ▬ *Бир савдогар ўн той молни олиб, бир зумда қорасини ўчирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммо қиз узоқ кетмади, ўн қадамча нарида тўхтаб, бошидаги чопони ичидан бир қиё боқиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ўн гулидан биттаси ҳам очилмаган *қ.* **гул** I.

ЎНАҚАЙ 1 Ишни ўнг қўли билан бажарадиган; *зид.* **чапақай.** *Ўнақай бола.*

2 Ўнг, қулай бўлган ҳолат, фурсат. *Аммо энди унга Марғилон бориш ўнақайи сира келмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизга фақат ишнинг ўнақайини топиб, хондан тасдиқ эттиришгина қолган!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Кимса ёки нарсанинг ўнг томонида бўладиган, ўнг томонга оид. *Ўнақай этик.*

Ўнақай қўлқоп. Ўнақай ошиқ (ҳайвоннинг ўнг оёғидан олинган ошиқ).

ЎНБОШИ 1 Ҳарбий унвон; ўн кишидан иборат энг кичик ҳарбий бўлинма бошлиғи. -*Қўлингни тушир, қийшайма! — Сарбоз дўқ урди. — Навкар ёшулли билан қандай мулоқотда бўлмоғини ўнбоши айтмадими?* Мирмуҳсин, Чўри.

2 *эск.* Бригадир, бригада бошлиғи.

ЎНБОШИЛИК Ўнбоши иши, лавозими, *Анави.. Ҳаҳ, оти нимайди? Болаларга ўнбошилик қилиб турган ўртоғинг-чи?* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ташкил қилинадиган кетмончиларга ўнбошилик вазифасини Берди татар ўзига сўраб олди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЎНГ I **1** Гавданинг юрак ўрнашган томонига қарама-қарши тарафида жойлашган; *зид.* **чап, сўл.** *Ўнг қўл. Ўнг оёқ. Ўнг бетида холи бор. Ўнг елка. Ўнг биқин.* ■ *Гоҳ чап оёқ, гоҳ ўнг оёқда туриб, аранг ўнгача санадим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Худди киши гавдаси олд томонига нисбатан бўлганидек, нарсаларнинг олд йўналишдаги, олдга қараган ҳолатдаги ўнг томон қисми; *зид.* **чап, сўл.** *Йўлнинг ўнг бети.* ■ *Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоғида ўнлаб янги шаҳарчалар, посёлкалар бор.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бу орада танкларимиз жилғадан бирин-кетин чиқиб, тепаликнинг ўнг ёнбағридан ўрмалай кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Ўнг томон. *Хотин.. асл ўрданинг улуғ муҳташам дарвозасига яқинлашгандан кейин ўнгдаги янги йўлга бурилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Душман гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан келар ва ҳар қаерда дўлдай ёғилган ўққа учрар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 *от* Қулай, мувофиқ ҳолат, фурсат; *яна қ.* **ўнақай 2.** *У қочиб кетишнинг ўнгини тополмай, қайрағочга суяниб ўтириб олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Иш ўнгидан келмоқ Иш кўнгилдагидек бўлмоқ, юришмоқ. *Ишимиз ўнгидан келди, Полвон, хон ҳазратлари икки юз таноб ер инъом қилдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кўз ўнги хиралашмоқ** (*ёки* **қоронғилашмоқ**) Кўз қаршисида ҳеч нарса кўринмайдиган ҳолат юз бермоқ. *Ғуломжон Ҳаётни кўрди-ю, юраги шиғиллаб, кўз ўнги хиралашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мансур тишини тишига қўйиб, ўрнидан турди. Кўз ўнги қоронғилашса ҳам, чидади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўз ўнгига келмоқ** Назарида гавдаланмоқ. *Онасининг вафотидан кейин ҳувуллаб қолган ҳовли кўз ўнгига келди шекилли, Мансур қуруққина шивирлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўз ўнгида** Кўриб, кузатиб турган ҳолатда; олдида, рўпарасида. *Унинг кўз ўнгида чопиб, жар солиб, Шовқин-сурон билан оқар бир дарё.* Ҳ. Олимжон. *Ҳозиргидай кўз ўнгимда: чойхонанинг орқа томонида кичкина ҳужра бор..* Газетадан. **Ўнг келмоқ** Қулай, муносиб ҳолат, шароит юз бермоқ. *Ўғрида инсоф бўладими? У уйда ҳам, кўчада ҳам — ўнг келган жойда бировнинг молига қўлини чўзаверади.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. **Ўнг қўл** 1) ўнг томон. *Ўнг қўлдаги қатор тутлар панасидан Гулсум опа чиқди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса; 2) раҳбар, бошлиқ ва ш.к. нинг энг биринчи, энг ишонган ёрдамчиси. *..раиснинг ўнг қўли бўлгандан кейин, шу билиниб турмаса бўладими..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Соли совуқ мингбошининг ўнг қўли бўлса, Жуман писмиқ Соли совуқнинг ўнг қўли.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги илғор оқимга, тараққиётга душман; консерватор, реакцион. *Ўнг партия. Ўнг лейбористлар. Ўнг социалистлар.*

ЎНГ II Амалда, ҳақиқатда содир бўладиган воқеа ёки ҳодиса, воқе ҳолат. *Қудрат севгилиси ёнида, унинг ҳусн-жамолини ўз кўзи билан кўриб турибди. Бу туш эмас, ўнг, ҳақиқат.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Қани энди, ҳозир шу тушим ўнг бўлиб қолса.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Туш ўнг келмоқ Тушида кўргани ҳаётда ҳам юз бермоқ, туши тўғри бўлиб чиқмоқ. *Кўрадиган тушларининг барчаси ўнг келаверади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Мен бир ваҳимали туш кўрдим.. Илоҳим, тушим ўнг келмасин.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЎНГ III **1** Нарсанинг одатда кўриниб турадиган томони, сирти. *зид.* **терс, тескари.** *Баргнинг ўнги. Газламанинг ўнги. Кўйлак ўнги.*

2 Нарсанинг фойдаланишга қулай бўлган томони, тўғри тутилган ҳолати. *Газетанинг ўнги. Китобнинг ўнги. Пичоқнинг ўнги. (тиғи). Китобни ўнг ушламоқ.*

ЎНГАРМОҚ 1 Елкага ёки улов устига кўндаланг қўймоқ, олмоқ. *У энгашиб, кат-*

тагина боғ машоқни елкага ўнгариб келар эди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? [*Мусавой:*] *Жон ака, айтинг, бўри қандай бўлади? Қўйни бирдан бўғиб, ўнгариб кетармиш-а?* Ойбек, Болалик. *Саломатни отга ўнгариб олиб қочган, уни қўрбошига пешкаш қилган ким?* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 *айн.* **ўнгламоқ** (тўғри ва кўчма маънода). *-Бизнинг туман бойлари.. ўз ишларини озгина вақтда ўнгариб оладилар, — деди бой.* С. Айний, Қуллар. *..ўз рақибини чунонам урдики, у «гуп» этиб ерга йиқилди, аммо ўзини дарҳол ўнгариб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *«Пахтакор» футбол командаси ўзини сал ўнгариб олди.* «Муштум». *Онаси ҳовлиққанидан калишларини ўнгариб киёлмасди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЎНГИМОҚ Ранги йўқолмоқ, асл ранги ўзгармоқ, туси ўчмоқ. *Бундай бўёқ билан бўялган мато ўнгиб кетмайди.* «Фан ва турмуш». *Устидаги гимнастёркаси ёмғирда ювилиб, офтобда ўнгиб, оқариб кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎНГИР Ўйилган, чуқур жой; ўйиқ. *Йигитлар дарахтларда, тоғ ўнгирларида туриб, сопқон отиб, ёвни шунча думалатиб турсалар ҳам, у газандалар борган сари кўпая берибди.* Ойдин, Олтмиш газ арқон. *Сўнгги қор ҳали тамом эриб битмаган, ўқтин-ўқтин жойда, пастқамлар ва дўнгликларнинг кунга тескари ўнгирларида лахтак-лахтак бўлиб ётибди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

ЎНГЛАМОҚ 1 Қулай, ўнг ҳолатга олмоқ, келтирмоқ; тўғриламоқ. *Аҳмаджон шошмасдан милтиғини ўнглади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қўзибой.. папкасини ўнглаб олиб, Қудратни бошлаб бораркан, гап орасида сўраб қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Меъёрий ҳолатга келтирмоқ; яхшиламоқ. *Ишини ўнгламоқ.* ▬ *Селдан, дўлдан зарарланган ғўзаларнинг ўнглаб олиш осон бўлмади.* Газетадан. *Сафарали бир нафасга каловланиб қолди-ю, ўзини тезда ўнглаб олди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ЎНГМОҚ Ўнгланмоқ, дуруст бўлмоқ. *Бошқалари у ёқда турсин-а, пахтанинг ўзи билан ҳам ишимиз ўнгмасди.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

ЎНГ-СЎЛ, ўнгу сўл 1 Ўнг ва чап томон. *Ўнг-сўлга (ўнгу сўлга) назар ташламоқ.*

2 Ўраб турган томонлар; атроф. *Ўнг-сўл кўкаламзор.* ▬ *Салимбоев ўнг-сўлига қарамасдан, ишга киришди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Тўхта, болам, бир насиҳат айлайин, Душманларинг бордир ўнгу сўлингда.* «Нурали».

3 *кўчма* Ўраб турган шароит; вазият. *Йўлларим порлоқ, тўсиқ бўлмагай, Аниқлаб олдим мен ўнгу сўлимни.* Ғайратий.

ЎНГ-ТЕРС 1 Бирор нарсанинг ўнг ва тескари томони, ўнги ва терси. *Газламанинг ўнг-терси. Ноннинг ўнг-терси.* ▬ *Бизнинг штурмчиларимизнинг ҳаракатидан сўнг фашист солдат ва офицерлари кийимларининг ўнг-терсини тополмай қолдилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг ҳар томони, ҳар жиҳати. *[Ҳасанали] Бу икки турли масаланинг ўнг-терсини айлантириб муҳокама қилди ва ўлчади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўнг-терсига қараб Ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўриб, ҳар жиҳатини ҳисобга олиб. *-Худога шукур. Лаби-даҳанимизга чипқон чиққан эмас, тоға, гапнинг ўнг-терсига қараб гапириш лозим бўлса, бир одамчалик гапира олармиз, дейман, — деди Бозорбой.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўнг-терсига қарамай** *ёки* **ўнг-терс** Фарқига бормай, эътиборсизлик билан; пала-партиш. *Ўнг-терсига қарамай ишламоқ.* ▬ *Зайнаб бу ёлғонлаш натижасидан қўрқиб, ўнгу терс ишига ёпишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎНГЧИЛИК *эск.* Ўнг оқимдагиларга хос маслак, ўнглик; консерватизм.

ЎНЛАР : ўнлар хонаси *мат.* Кўп хонали сонларда охиридан иккинчи хонадаги рақам номи ва унинг ўрни.

ЎНЛИ *мат.* Ўнлаб ҳисоблашга асосланган. *Ўнли саноқ системаси.*

Ўнли каср Маҳражи ўн, юз, минг ва ҳ.к. рақамлар билан ифодаланган каср. **Ўнли тарози** Тортиладиган нарсанинг оғирлиги ундан ўн марта енгил тошлар воситасида ўлчанадиган тарози.

ЎНЛИК 1 Ўнни ифодаловчи рақам.

2 Ўнта холи бўлган домино, қарта ва ш.к. *Таппоннинг ўнлиги. Доминонинг ўнлик тоши.*

ЎНТАЛИК *с. т.* **1** Ўнта бир хил нарсадан иборат. *Ўнталик папирос.*

2 *с. т.* Ўн сўмлик қоғоз пул; червон. *Ўнталикларни чўнтакка жойламоқ. Ўнталик пуллар.*

ЎНҚИР Ўйилган, чуқур жой: *Ўнқирларга солинган қамиш, похоллардан эҳтиёт бўлиб ўтиш керак.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши. *..тўлқин борган сари кучайиб, ўша сув остида юрган нарсаларни ўнқирларга суриб ташлар, ўзининг тўғри йўлида давом этарди.* «Муштум».

ЎНҚИР-ЧЎНҚИР Юзасини чуқурликлар ва дўнгликлар қоплаган; баланд-паст, нотекис, ўйдим-чуқур. *Фойтун Тозабоғ дарвозасига қараб яна тез-тез паст-баланд, ўнқир-чўнқир йўллардан ўтиб борарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Йўлнинг кўпи қир ва сойлик, ўнқир-чўнқир бўлгани учун, туялар чайқалиб-чайқалиб борар, бундан менинг бошим айланиб, кўнглим озар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Қоялар остида, тепалар тагида, ўнқир-чўнқирларда яшириниб қолган қор парчалари баҳор қуёшининг иссиқ нафаси билан қозонга тушган ёғдек эриб, кўз илғамас жилғаларни тўлдирган ҳолда, сой тубига равона бўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЎНҚИР-ЧЎНҚИРЛИК Ернинг паст-баланд жойи; ўнқир-чўнқир жой. *Набижон отни жадаллаб ҳайдаб борар, йўлнинг ўнқир-чўнқирлигидан тинмай силкиниб бораётган бу йўловчилар индашмас эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЎНҚОВ *с. т.* Имконли, қулай ҳолат; имконият. *Қандай бўлса ҳам, бир ўнқовини топиб.. орзу-ҳавасли тўй ўтказиш ниятида эдилар.* Ғ. Ғулом, Эшон. *Бугунча ишнинг ўнқовини қилолмадим, кечқурун яна суриштириб кўраман.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *У кабинетига келиб энди ўтириши билан раис чақиртирди. «Бу ёқдан ҳам бир ўнқови келиб қолганга ўхшайди», деб кабинетга кирган эди..* А. Муҳиддин, Характеристка.

ЎНҒАЙ 1 Бирор жиҳатдан мос келадиган, фойдаланиш учун қулай, боп, яхши. *Яёв юриш учун бу йўл жуда ўнғай.* ▬ *У серсоқол, тунд рус жангчиси яқинида ўзига ўнғай ўрин танлаб, писиб ётди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кейин* [*Нури*] *бир неча кун ўйлаб, Йўлчи билан махфий учрашувга қарор қилди. Бу орзу кундан-кунга кучайса ҳам, ўнғай фурсатни кутди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Осон бажариладиган; осон, енгил. *Бегонанинг қонига қўл уриб, ярасига малҳам бўлиш, унинг азоб чекаётган юз-кўзига қараш ўнғай ишми!* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кишининг дилини билиш ўнғай эмас.. ман ғарибга йўл кўрсатинг* [*деди Ёрмат*] Ойбек, Танланган асарлар. [*Навоий:*] *Ёдгорнинг пойтахтга тез ва ўнғай кирганлиги ғоят таажжуб.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ЎНҒАЙЛАШМОҚ Қулай ҳолга келмоқ; осонлашмоқ. *Иш анча ўнғайлашди.*

ЎНҒАЙЛИК 1 Ўнғай, қулай шароит. *Ишга ўнғайлик туғдирмоқ.* ▬ *Мен уни бир ойга қолмай расвосини чиқараман. Унинг енгил табиатли бўлиши менинг ишимга анча ўнғайлик беради.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Осонлик, енгиллик. [*Сокина:*] *Мен буни ўнғайлик билан боқиб ўстираётганим йўқ.* И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор?

ЎНҒАЙСИЗ 1 Хижолатга соладиган; хижолатли, ноқулай. *Ҳар иккиси ҳам бир-бирининг авзойини кўриб, ўнгайсиз ҳолатда қолдилар.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Орага ўнғайсиз жимлик чўкди.* С. Маҳкамов, Шогирд. *Элмурод.. бу ўнғайсиз саволга дағалроқ қилиб жавоб берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *с. т. кам қўлл.* Бир иш-ҳаракат учун яхши имкон бермайдиган; ноқулай. *Жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб.. бу тепа, қўрғонсиз ҳам, душманнинг ҳужумига ўнғайсиз эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎНҒАЙСИЗЛАНМОҚ Ўнғайсиз ҳолга тушмоқ, хижолат тортмоқ. *Аваз отасига тик гапирганидан энди бир оз ўнғайсизланди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Асқар ота шунча хотиннинг ичида якка ўзи бўлганлигидан нечукдир ўнғайсизланар ва ҳар қайсига алоҳида-алоҳида «яхшимисиз», дер ва дуо қилар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ЎНҒАЙСИЗЛИК Ўнғайсиз ҳолат, ноқулай аҳвол. [*Анварнинг*] *Раънога айтмоқчи бўлган сўзи, эҳтимол, унинг ўзига ҳам ўнғайсизлик берар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *-Уйларида кимлар бор экан? — деди Саодатхон ўртадаги ўнғайсизликни кўтариш учун.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЎНҒАЛМАС Тузатиб бўлмайдиган, яхшиланмайдиган; ривож топмайдиган, ўнгланмайдиган. *Ўнғалмас иш.*

ЎНҒАРМОҚ *с. т.* Ўнгламоқ.

ЎПИРИЛИШ 1 Ўпирилмоқ фл. ҳар. н. *Дарё қирғоғининг ўпирилиши.*

2 *кўчма* Барбод бўлиш, орқага кетиш, бузилиш. *Хўжалик ишларида ўпирилишга йўл қўймаслик.* ▬ *Графикдан орқада қолиб кетдик. Ишда ўпирилиш юз бериши аниқ бўлиб қолди.* Газетадан.

ЎПИРИЛМОҚ Ўпирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Қиш, тўхтамай қор ёғади. Қадам босган ерингиз ўрадек ўпирилиб қолади.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Чопиб кетяпман-у, бир маҳал оёғимнинг таги гуп этиб ўпирилиб тушса бўладими?!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЎПИРМА *кам қўлл.* Ўпирилган жой, чуқурлик. *Кенг, чуқур ўпирма ичидан кишилар юк билан худди тоққа кўтарилгандай тирмашар эдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЎПИРМОҚ 1 Ўйиб, бузиб юбормоқ; маълум қисмини учириб ёки оқизиб, юлиб кетмоқ; емирмоқ. *Сув тўғонни ўпириб юборди.* ▬ *Дарё қайнар, тошар, кўпирар, Тўнка остин ялаб ўпирар.* «Муштум». *Эргаш тўп снаряди ўпирган чуқурга тушиб ётди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Тўп ўқлари қалъанинг пештоқларини ўпириб тушса ҳам, қалъа устига ўрмалаб чиқувчи азамат бўлмади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Кўп қисмини ёки бутунлай ўзини йўқ қилмоқ; ўмармоқ, ўзлаштирмоқ. *Хирмондаги буғдойни ўпириб юборишибди.* ▬ *Бутун бошли қурилишнинг бир ёғини ўпириб олган Владимир Чекмаров, қараса бўлмайдиган, илиқ-иссиғида ўзини панага олмоқчи бўлди.* «Муштум». *Дадахўжаев бир йилгина ишлаганда, колхознинг бутун молмулкини ўпириши турган гап эди.* Газетадан.

ЎПИЧ Севиш, эркалаш ифодаси сифатида лаб тегизиш; бўса. *Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маънони англадида: -Ўпичми? Ҳеч бўлмаса, шуни тўғри айта қолсангиз, нима бўлар экан! — деди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ЎПИШ 1 Ўпмоқ фл. ҳар. н. [*Хотини:*] *Садқаи эркаклик кетинг, хилватга тортиб ўпишни ҳам билмайсиз!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 *айн.* **ўпич.** *Унинг эркалашларини.. аёл кишини беҳуш қиладиган қайноқ ўпишларини бегона қилишни истамас экан-да бўлмаса?!* К. Яшин, Ҳамза.

ЎПИШМОҚ 1 Ўпмоқ фл. бирг. н. *Бу гал эл-юрт олдида ошкор, тортинмай узоқ ўпишдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кўришиб, ўпишиб, обдан йиғлашиб бўлганимиздан кейин, ҳаммамиз.. чувуллашиб йўлга тушдик.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Оғиз-бурун ўпишмоқ Жуда аҳил муносабатда бўлмоқ, иноқлашиб кетмоқ. *Ғиёсиддин тилмочлик қилиб юрган кезларда шаҳарнинг казо-казолари билан оғиз-бурун ўпишиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пахтаси ўн беш кун олдин очилди-ю, уни мақтамай, мени мақтасинми? Аммо ўзи ҳам академик билан нақ оғиз-бурун ўпишиб қолди-да!* О. Ёқубов, Диёнат.

2 *кўчма* Бир-бири билан туташмоқ, бирбирига уланиб турмоқ. *Олдимизда Олой тоғининг чўққилари уфқ билан ўпишиб ётибди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ёшларнинг тиниқ овози кўк билан ўпишган азим дарахтлар оралаб ўтиб, кенг атрофга таралмоқда эди.* Газетадан.

ЎПКА I **1** *анат.* Одам ва қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонларнинг кўкрак қафаси ичига жойлашган бир жуфт, конус шаклидаги нафас олиш аъзоси. *Ўпка касаллиги, Ўпканинг яллиғланиши.* ▬ *Ўпкасига ҳаво тўлди, кўзлари ҳам ёришиб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўпкаси йўқ Ўта ҳовлиқма, фикр-мулоҳаза билан иш юритмайдиган. *Ишқилиб, юртимиз иши мана бундай ўз қадрини билмаган, ўпкаси йўқ тойлоқчаларга қолмасин-да..* Мирмуҳсин, Супургига сажда. **Ўпкаси кўринмоқ** Бирор нарса дардида ниҳоят даражага етганлик, жуда ҳолдан тойганликни билдирувчи ибора. *Маликахон деса, ўпкангиз кўринадиган бўлибди-ю, сир бой бермаганингизга ўлайми?!* Ф. Зоҳид, Ошиқ ва маъшуқ. *Бир тирноқ кўрсам, деб оҳ урса, ўпкаси кўринади.* К. Яшин, Ҳамза. **Ўпкаси (оғзига) тиқилмоқ** Ниҳоятда ҳаяжонли, ҳовлиққан, ҳатто гап-сўз айтиш қийин бўлган ҳолатга тушмоқ. *Ҳовлиққанимдан ҳаллослаб, ўпкам тиқилиб қолган экан, бувим жон ҳолатда дивандан туриб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *-Тинчлик эмас, — дедим ўпкам оғзимга тиқилиб.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Ўпкаси тўлмоқ** Йиғлаш даражасига келмоқ, йиғиси томоғига келмоқ. *Чолнинг товуши ўзгарди, ўпкаси тўлди шекилли, бирпас тек қолиб, кейин гапирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Тоҳир*]

Негадир ўпкаси тўлиб, кўзига ёш келди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *-Азизим Ҳаётим, нима бўлди? — деди Ғуломжон ўпкаси тўлиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ўпкаси шишмоқ** *қ.* **шишмоқ**. *Барчаси чарчади, ўпкаси шишди.* «Баҳром ва Гуландом». **Ўпкасини босмоқ** Ҳовлиқиш, жаҳл кабидан ўзини тиймоқ. *У кули бир энлик сигаретини жаҳл билан чертиб ташлади-ю, ўпкасини босиброқ давом этди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кўзингни шира босмасин, акаси, ўпкангни босиб олгин-у ақлингга ривож бер.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ҳў, сал ўпкангизни босиб олинг, тинчликми ўзи?* «Муштум». **Ўпкасини тутолмаслик** Йиғини тия олмаслик ҳолатига келмоқ. *Нормат ҳам ўпкасини тутолмади, аммо [она] бағридан чиқиб, сафга бориб қўшилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Отангдан сўра, болам, — дея ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди Жаҳонбуви.* К. Яшин, Ҳамза. **Ўпкасини қўлтиқламоқ** Ҳовлиқмоқ, бирор нарса дардида ҳолдан кетар даражада юрмоқ. *Шу пайт куёв стол остидан эмаклаб ўтди-ю, ўпкасини қўлтиқлаганча қуён бўлди.* «Муштум». *Исқирт бўлиб, лақиллаб юраманми, дедим-да, орқамдан ўпкасини қўлтиқлаб юрган Махзумовга турмушга чиқиб олдим.* Ғайратий, Довдираш.

2 *с. т. кўчма* Ўзини босолмайдиган, ҳовлиқма шахсларга нисбатан, одатда, уларнинг исмига қўшиб (тиркаб) ишлатилади. *Жумабой ўпкадан ҳар балони кутса бўлади. Агар ўпкалиги қўзиб, камар билан.. Суярқулнинг миясига солиб қолса борми..* А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 Ҳайвонларнинг шу аъзоси (овқат сифатида). *Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги (олдингдаги) ўпка яхши.* Мақол.

ЎПКА II Ўзига нисбатан бўлган номақбул иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. дан ранжиш ҳолати, хафалик ва уни билдирувчи гап-сўз; гина. *Тешабойнинг юрагида бош кўтарган гумон деви Тўрахоннинг.. ўпкаларидан кейин ёта қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Лолахон қўлидаги булка ва шоколад ўроғлик қоғозни авайлаб скамейкага қўяркан, ўпка ва эркаланиш аралаш Алижонга қаради.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

Ўпка қилмоқ *айн.* **ўпкаламоқ.** *-Шунча йиллардан бери, нима бўлди, деб йўқламадингиз! — деди ўпка қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Она ўғлининг тўйига ҳам келмаган эди, неварасини кўргани ҳам.. Араз қилиб, ўпка қилиб юрибди чамаси.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЎПКА-ГИНА Ўпкалаш, кек сақлаш; гинахонлик. [*Расулов*] *Қишлоқларда юриб, анча ўпка-гиналарни йиғиб қўйган экан.* И. Султон, Бургутнинг парвози.

ЎПКАЛАМОҚ Ўпка, гина ифодаловчи гап-сўз айтмоқ, ўзини ўпка-гинали ҳолатда тутмоқ. *Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама!* Мақол. ▬ *Элмурод Турдиевнинг «разведкага юбормайди», деб ўпкалаб юрганини бир неча марта эшитган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У* [*Ҳамида*] *ҳомиладор хотинга самовар кўтартириб қараб ўтирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

ЎПКАЛИ 1 Ўпка қилган (сақлаган) ҳолатли. *Ўпкали дўстига аҳволни тушунтирди.*

2 Ўпка (гина) ифодали (ифодаловчи). *Станокнинг бошида Қумрининг ўзи.. Ўқтин-ўқтин қарайди Ўпкали кўзи.* Ғайратий. *Софья Борисовна эрига ўпкали назар солди, нима қилишини билмай, шошиб-пишиб, яна вино қуя бошлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎПКАСИЗ 1 Биров ранжимайдиган, аразламайдиган, аччиқ-тирсиқсиз. *Тўй ўпкасиз бўлмас.* Мақол.

2 *кўчма айн.* **ўпкаси йўқ** *қ.* **ўпка** I **1.**

ЎПКАЧИ *с. т.* Салга ўпкалайверадиган, гиначи. *Ўпкачи хотин.*

ЎПМОҚ 1 Эркалаш ёки севги-муҳаббат ифодаси сифатида кимсанинг бирор ерига лабларини тегизмоқ, ўпич олмоқ. *Болани ўпмоқ. Пешонасидан ўпмоқ.* ▬ *Аваз хотинини боладай қўлларига кўтариб олди-да, кўзларидан, қошларидан ўпди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Нормат онасини қучоқлаб ўпди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ҳурмат, садоқат ёки эъзозлаш ифодаси сифатида муқаддас, азиз саналган нарсага лабларини тегизиб қўймоқ. *Она-Ватан тупроғини ўпмоқ. Байроқни ўпмоқ.*

3 *кўчма* Бирор нарсага енгил-енгил тегмоқ, урилмоқ. [*Кумушнинг*] *Бу кунги совуққа қарши кийиб олган савсар пўстинининг ёқалиги кишининг ҳасадини орттириб, нафис бақбақаларини ўпиб ётар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ел қитиқлаб, ўпиб қочди Чечакларнинг япроғидан.* Ғайратий.

Онаси ўпмаган Иффатли, соф. *Пулинг бўлса.. онаси ўпмаган малика қизлар сенга қучоқ очади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎПОҚ: ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ демоқ Ҳар бир ҳаракатидан айб топмоқ, айб топиб камситавермоқ. *Шунинг учун ҳам улар бу ўзича бахтиёр қайнонага ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, деб кун кўрсатишмади.* К. Яшин, Ҳамза. *Қўчқор бечорани ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, деб ораларига совуқлик солди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЎПОҚ-СЎПОҚ Нотўғри шаклдаги, қинғир-қийшиқ, кўримсиз, хунук. *Ўпоқ-сўпоқ пиёлалар. Ўпоқ-сўпоқ нонлар.*

ЎПҚИН 1 Бирор табиий куч воситасида ҳосил бўладиган уюрма; гирдоб. *Дарё ўпқини.* ▬ [*Низомжон*] *Қўлидаги қоғозни ғижимлаб, электр лампаси атрофида капалакдек айланаётган қор ўпқинларига тикилганча туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *айн.* **ўпқон.** [*Навоийга*] *Ўлим билан ҳаёт орасидаги қора ўпқин оддий ва яқин нарса каби сезила борди.* Ойбек, Навоий.

ЎПҚИНЛИК Тубсиз чоҳ, ўпқон. *Бу ерда ариқ доимо куйламаса, ҳаёт.. бир ўпқинликдир.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЎПҚОН 1 Сувни тортиб кетадиган, ер остидаги кўринмас чуқурлик, ғовак, бўш жой. *Ариқнинг тагидан ўпқон чиққан экан, каттариб-каттариб, устидаги тупроқни ҳам қулатиб туширибди.* П. Қодиров, Яхшилик. *Харсанглар тагидан ўзига йўл топган сув бетида ўпқоннинг воронкага ўхшаш гирдоби айланар.. эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Оқсойнинг таги тубсиз, ўпқонлари бор. Уни тўхтатиб бўлмайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Гирдоб, исканжа; қамров, қуршов. *Хотинлар пайдо бўлиши билан қайта бошдан куч олган жанжал ўпқони уни тобора ўз заптига торта бошлади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Нафси (*ёки* **жиғилдони) ўпқон** Ҳеч тўймайдиган. *Оғайнилар, айтган сўзим лоф эмас, Нафсим ўпқон, қоп эмас..* «Муштум». *Бу йил ўпқонга айланган жиғилдоннинг мўрисини келаси йил янада кенгайтириб, ғорга айлантирмоқчи.* «Муштум».

ЎПҚОНЛИК Тубсиз жарлик; ўпқон. *Алишер Навоий! Ўпқонликка қулаб кетаётган тоғни ёлғиз тутиб қола билади.* Ойбек, Навоий.

ЎР I **1** Жарлик, чуқурлик; ўра. *Ўрга тушиб кетмоқ.* ▬ *Фронт орқасида ўр қазиб турганда, Мулла Обиддан ўттиз метрча нарига бир катта тўп ўқи тушиб, қаттиқ товуш чиқариб ёрилади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Тепалик, баландлик. *Қияда қилпиллатди, Ўр келса, ўмганлатди* [*отни*]. «Рустамхон». *Лолақизғалдоқлар ўру қирларга қип-қизил гилам-пойандоз тўшаган.* «Ёшлик». *Ўзига қолса, шаҳар деб, қир ошиб, ўр ошиб ўтирмасди-ю..* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Ўр тортмоқ Баландлик томон йўналмоқ; ўрламоқ. *Аркнинг икки ёнида бурама йўл билан юқорига ўр тортиб кетган пиллапоялар: улар мезаналарга олиб чиқади.* Қ. Мирзо, Олам гўзал. *Йўл борган сари оғирлашиб ва тоғ тарафга қараб ўр тортиб борар эди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

3 *кўчма* Юқори, баланд. *Биродарлар, ўзбек эли ўр келади, ўзи ўжар, зўр келади!* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЎР II *фольк.* Ўжар; жоҳил. *Ҳали бу бола ёш бўлса ҳам, ёмон ўр бола экан. Ўзбек ўр бўлади-да, дейишаётирлар.* «Равшан».

ЎРА 1 Сабзавот, дон ва ш. к. ни кўмиш учун махсус қазилган, одатда ости кенгроқ бўладиган чуқурлик. *Картошка ўра. Сабзи ўра. Бир ўра турп.* ▬ *Уста Олим ҳам қайнисини туришга ишорат қилди ва ўрадан сабзи олиб тўғрашга буюрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Менда-ку ўрадаги беш-ўн пуд ғалла билан оғилдаги беш-ўнта қорамолдан бошқа нарса йўқ.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Умуман, бирор мақсадда қазилган чуқурлик. *Ўранинг ичи гувала катталигидаги тошлар билан айлантириб уриб чиқилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Иккала йигит ҳам* [*жаллод пичоғидан кейин*] *букчайганича, чуқурга қулаб тушди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Э, бормисан, ука, ўра-пўрага тушиб кетмадингми, ҳайтовур?* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЎРАБ-ЧИРМАБ Бир амаллаб мол, кийим-кечакларини қилиб, шулар билан таъминлаб (узатиладиган қиз, унинг тўйи ҳақида). *Мана, баҳор ўтиб, ёз келаётганда, тўйини қилиб, ўраб-чирмаб узатиш ўрнига бу гапни чиқариб ўтирибсиз..* С. Кароматов, Ҳижрон.

ЎРАЛАМОҚ 1 *айн.* **ўрламоқ.** *Шипга яна ҳам гуруллаб тутун ўралайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Дахл қилмоқ, ўз таъсирига олмоқ. *Кучли аланга ўрмонга ўралади. Партизанлар қаерда-ю, гитлерчилар қаерда – билиб бўлмайди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЎРАЛАШМОҚ 1 Бирор жойда уймалашмоқ, тентимоқ; изғимоқ. *Қодиров ўзи ҳам коридорда ўралашиб юрарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Гажак қўйган келинчаклар, ғижим рўмол ўраган қизлар фотография олдида ўралашиб қолишади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қурилиш кетаётган бир пайтда участка атрофида бир киши ўралашиб қолди.* «Муштум».

2 Ўралмоқ, ўранмоқ. *У* [*хотин*] *эски парпаша паранжи ичида ўралашиб, юриб эмас, югургандай тезлаб келар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Бирор иш билан банд бўлмоқ, овора бўлмоқ; куйманмоқ. *У ўн болани ўстираман, деб уйда ўралашиб қолди.* ▬ *Касби билан ўралашиб кетармикин, деб касалхона ҳам очиб берди. Йўқ, бўлмади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Кампир ипак қуртлари билан ўз-ўзидан ўралашиб қолди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЎРАЛИШМОҚ 1 Ўралмоқ фл. бирг. н. *Болалар кўрпага ўралишди. Қизлар атласга ўралишибди..*

2 *айн.* **ўралашмоқ 3**. *Борсам, чўти олдида. Ойнак тақиб олибди. Ҳисобига етолмай, Ўралашиб қолибди.* Т. Тўла. *Шу орада Қораилон ўралашиб юрганини.. пайқади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЎРАЛМОҚ 1 Ўрамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Фолбин оғзини йиғиштириб, латтага чандиб ўралган, катталиги данакдай бир нимани енг учидан чиқариб берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **ўралашмоқ 3**. *Албатта, хўжайинники – ноҳақ. Боласи билан ўралиб қолди, энди ишлай олмайди, деб ўйласа керак у.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Айланиб ёпишмоқ, чирмашмоқ; ўрашмоқ. *Карнайгул ипга ўралиб ўсади.* ▬ *Даладаги шўралар Оёғимга ўралар.* «Оқ олма, қизил олма».

4 Ип, арқон, сим, тўр каби нарсаларга илиниб, чулғаниб ҳаракат қилолмай қолмоқ; ўралашмоқ. *Қўй арқонга ўралиб қолмасин.*

ЎРАМ I 1 Ўралган ҳолга келтирилган, ўраб қўйилган. *Икки ўрам ип.* ▬ *Ойша трактор орқасидаги бир ўрам арқонни олиб, унга улоқтирди.* С. Аҳмад, Икки ҳикоя. *Бир ўрам қоғоз олди яна. Бу майда ҳарфлар билан қора сиёҳда кўчирилган ғазаллар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хива заргарлари зийнатлаган тилла буюмлар, той-той ипак ўрамлари император жанобларига пешкаш қилинади.* С. Сиёев, Аваз.

2 Ўралган нарсанинг ҳар бир қавати. *Беморни каравотга ётқизишди. Икки ҳамшира бирин-сирин дока ўрамларини еча бошлади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

Ўрам қилмоқ Ўрам ҳолатига олмоқ. *Ўрам қилинган қоғоз.* ▬ *Арқонга осилиб туриб, тошда нимадир чизаётган йигит қўлидаги оқ нарсани ўрам қила бошлади.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Тоҳирнинг шериги хуржунидан ўрам қилинган арқон олди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Тахлаб бирор нарса билан ўралган, ўраб тугилган. *Дастурхонга бир ўрам қоғоз пул қўйди.* Н. Мақсудий, Юксалиш. *Эртасига Аматжон Тўлғонойнинг қолган-қутган сепини, уч-тўрт кўрпа-ёстиқ, бир ўрам идиштовоқ олиб келиб берди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

4 Бир ўрашга етарли, бир марта ўраса бўладиган. *Бир ўрам махорка.*

5 Бирор нималар билан ўралган, ораліқда бўлган жой. *Икки қўшин бир-бири билан аралашиб, қилич солишарди.. Яраланган отлар ўрам ичида чўлоқланиб, кишнаб юрарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 *эск.* Ижтимоий, ҳудудий ва ш.к. жиҳатдан алоҳида, мустақил бўлган жой, маҳалла, хўжалик ва ш.к. *Ўрамларга тарқалдилар ул гуруҳ, Бўлиб мавжи дарё каби кўҳкўҳ.* С. Хондайлиқий. *Айёр экан шу ўрамнинг қизлари, Яхши ёрим ёмон йўлга солибди.* «Оқ олма, қизил олма». *Аслида бу икки шикоятчининг арзи, район у ёқда турсин, хўжалик ўрамидан ташқарига чиққулик эмасди.* «Муштум».

ЎРАМА 1 *сфт.* Бир неча марта айлантириб ўралган, ўраб боғланган. [*Жонузоқ ота*] *Ўрама белбоғига қистириғлиқ турган ирғай дастали қамчисини ўйнай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *сфт. с. т.* Буралиб-буралиб кетган. *Олқор шохи ўрама, гапни сочдай бурама.* «Қўшиқлар».

3 *от* Ёйилган юпқа хамирни кесиб, ўзига хос шаклда ёғда қовуриб тайёрланган таом, пишириқ. *Бундай мўрт хамирдан печенье, чакчак, ўрама каби таомлар тайёрланса, оғизда уқаланиб туради.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

4 *айн.* **ўрам 1.** *Бу (ич) маҳсулотларнинг ҳар биридан ҳар хил яхна овқатлар.. пўстдумба ўрамаси каби қатор тансиқ таомлар пиширилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *У майда-чуйдаларни қаламдон ичига солиб, уни қоғоз орасига қўйиб, ўраб, лос билан боғлади, мени хуржунсиз эшакка миндириб, ўрамани олдимга қўйиб, Соктарега жўнатди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ЎРАМАЛАМОҚ Бирор нарса билан ўраб беркитмоқ, ёпмоқ. *Отни ўрамаламоқ.* ▬ *Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар, у [Отабек] чалқанча ётган куйи оғзини ўрамалаб, кўмак кутган каби, кўкка кўзини тиккан эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎРАМЛАМОҚ Ўрам ҳолатига келтирмоқ; ўрам қилмоқ. *Газетани ўрамламоқ. Газламани ўрамламоқ.*

ЎРАМОҚ 1 Ўрам, калава қилиш учун айлантирмоқ, ўрам, калава ҳосил қилмоқ. *Газетани ўрамоқ. Картонни ўрамоқ.* ▬ *Овқатдан сўнг энам хира чироқ ёруғида, ўзларича қандайдир қадимий ашулани хиргойи қилиб, калава ўрардилар.* «Саодат».

2 Ип, сим ва ш.к. ни бирор нарса устидан айлантириб, ўрам ҳолига келтирмоқ. *Ипни чиллакка ўрамоқ. Арқонни белга ўрамоқ.* ▬ *Ипакларни найчага ўрайдиган, калавалайдиган дастгоҳлар бир маромда ишламоқда.* Газетадан. *Баъзан йигитлар белларига йўғон симни уч-тўрт қават қилиб ўраб келадилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бошни беркитмоқ, бошга ёпмоқ, танғимоқ. *Дуррача ўрамоқ.* ▬ *Хотин бошидаги жун рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Айлантириб, айланиб, атрофини тўсмоқ. *Ҳовлини тахта девор билан ўрамоқ. Боғни панжара билан ўрамоқ.* ▬ *Зирклар тўрт тарафни девордек ўраб турар.. эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Атрофни осмонўпар тоғлар ўраб олган.* К. Яшин, Ҳамза.

5 Атрофидан, устидан айлантириб банд қилмоқ, ичига олмоқ, беркитмоқ. *Бўйинга шарф ўрамоқ. Ярани бинт билан ўрамоқ. Пайтава ўрамоқ.* ▬ *Адолат.. индамай ётар, бош ва юзлари дока билан ўраб ташланган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Писмиқ қопчиқнинг ичидан терига ўраб қўйилган бир тугунни олди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

6 Устидан бирор нарса билан маҳкамлаб боғламоқ, ичига олмоқ. *Нарсаларни қоғозга ўрамоқ.* ▬ *Аҳён-аҳёнда тамаки ўраш учун ҳам қоғоз тополмай, диққинафас бўлади киши.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

7 Қопламоқ, қуршамоқ. *Кўкни ўраб олган қора булутлар ҳам тўс-тўсга бўлиниб, ой ҳам қора парда ичидан ярим юзини очиб, ер юзига мўралаб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..шамол энди бўронга айланиб, араваларни сариқ чанг ўрай бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

8 *кўчма* Ишғол қилмоқ, банд этмоқ, эгалламоқ; босмоқ. *Ҳозир унинг юрагини бошқа бир ҳақиқат тирнай бошлаган ва виждонини фақат шу масалагина ўраб олган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг юрагини қарама-қарши ҳислар, кечинмалар ўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Пилла ўрамоқ Пилла ҳосил қилмоқ (ипак қурти ҳақида). *Қурт пилла ўради. Оқ пилла ўрайдиган ипак қурти.*

ЎРАШМОҚ 1 Ўрамоқ фл. бирг. н. *Қизлар рўмол ўрашади. Кампирлар ип ўрашади.*

2 Ўралмоқ, чирмашмоқ, илашмоқ. *Зебихон ариқ бўйида толга ўрашиб чиққан чирмовуқнинг карнай гулидан биттасини узиб, кўкрагига, пастга қаратиб тақиб олди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эгасиз отлар эгарлари қийшайган, жиловлари оёқларига ўрашган ҳолда.. пароканда кезардилар.* Ойбек, Навоий.

ЎРГАМЧИ *шв.* Ўргимчак.

ЎРГАМЧИК 1 Ўрганиш, тажриба учун қилинган (қилинаётган); дастлабки. *Ўргамчик иш.* ▬ *Муҳаммад Жамол эндигина шеър ёзишга уринар ва ўргамчик тарзда ёзар, қиз эса иштиёқ ва мароқ билан тинглар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Адабий танқидчиликнинг биринчи ўргамчик асарлари вақтли матбуот саҳифаларида пайдо бўлди.* «ЎТА».

2 Бирор ҳунар ёки касбни энди ўзлаштириб келаётган. *Ўргамчик шофёр.* ▬ *Тажрибали тракторчи, универсалчилар жуда оз, Ишимизнинг бир қисми янги ўргамчикларга қолди.* И. Раҳим. Ҳилола

ЎРГАНИШ 1 Ўрганмоқ фл. ҳар. н. *Сузишни ўрганиш. Ўқишни ўрганиш.* ▬ *Ҳунарни*

ўрганиш пайидан бўлгин, болам. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 *айн.* **одат 1.** *Ҳечқиси йўқ, аввал шунақа қийин бўлади, кейин ўрганиш бўлиб кетар.* А. Мухтор, Чинор. *Бадианинг йигитона кийиниб юрганини қўшнилар ҳам кўриб таажжубланишгани йўқ, чунки бу шаддод қиздан ҳайиқишар ва бу ўрганиш бўлиб қолган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЎРГАНМОҚ 1 Билим, касб, иш ва ш.к. ни ўзлаштирмоқ, эгалламоқ, билиб олмоқ. *Бировдан иш ўрганмоқ. Шахмат ўйинини ўрганмоқ. Ҳунар ўрганмоқ. Оз-оздан ўрганиб олим бўлар.* Мақол. ▬ *Ишни оддий бетончиликдан бошлаган ўсмир аста-секин керакли касбларнинг ҳаммасини ўрганиб олди.* Газетадан. *Ўтган ярим асрлик мураббийлик даврим мен учун ҳам катта ҳаёт дарсхонаси бўлди, кўп нарса ўргандим.* Газетадан.

2 Сири, моҳияти, мазмуни ва ш.к. ни аниқлаш, белгилаш мақсадида текширув, кузатув, таҳлилдан ўтказмоқ. *Бу далилларни синчиклаб ўрганиб, Қуёшнинг нисбатан тинч пайтида космик нурланиш ердан узоқ жойларда киши учун хавфли бўлмаслиги керак, деган хулосага келиш мумкин.* «Фан ва турмуш». *Сибирлик археологлар трасса бўйлаб қазишмалар чоғида чиққан тош аср қуролларини ўргандилар.* Газетадан. *..республикамиздаги қадимий конларга доир адабиётларни икки-уч йилдан буён синчиклаб ўрганаётган эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Ғайритабиий, ноқулай каби туйилмайдиган ҳолга айланмоқ, шундай сезилмоқ, қабул қилмоқ. *Халқ бунга ҳақли эди, чунки бундай тинчсизликларни кўра-кўра жуда ўрганиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Булар орасидаги бетакаллуф муомала ва муносабатга одамлар ўрганиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Одат қилмоқ *Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас.* Мақол. ▬ *Тўққизинчига ўтгунча ичишни, чекишни ўргандим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

5 Ўзини яхши алоқада тутмоқ, мослашмоқ, боғланиб («ўзиники бўлиб») қолмоқ. *Бу тўриқ менга жуда ўрганган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Хола бир-икки кун ичида янги шароитга ўрганди, қўшнилар билан танишди.* «Гулдаста».

ЎРГАТМОҚ 1 Бирор иш, касб ва ш.к. ни бажаришни, қилишни тушунтириб билдирмоқ, ўзи бажара оладиган қилмоқ; малака ҳосил қилдирмоқ. *Рақс тушишга ўргатмоқ. Касб-ҳунар ўргатмоқ.* ▬ *Бугунги кунда илғор ишчи ўзининг бой ҳаётий тажрибасини ёшларга қунт билан ўргатмоқда.* Газетадан. *Баъзида унинг кунлари менга бичиш-тикишни ўргатишдан кўра кўпроқ панд-насиҳат бериш билан ўтади.* «Гулдаста».

2 Бирор иш, амалга йўлламоқ; йўлга солмоқ. *Менга қара дейман! Ким ўргатди сенга ёлғон гапиришни?* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Икки оғиз нордон гап айтай десам, унда* [*кампирда*] *нима айб. Унга ўргатишган.* «Муштум».

3 Илм, одоб ва ш.к. дан таълим бермоқ. *Демак, сенингча.. ўша миршабларни ҳам маърифатдан баҳраманд қилиш керак, илм ўргатиш керак, шундайми?* К. Яшин, Ҳамза. *Улар Қудратга бу ҳунарни ўргатиш билан бирга, ҳақсизликка қарши курашни ҳам ўргатдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шокир юқори курсда бўлгани учун қизларга ёрдам беради, кўпинча физика қоидаларини ўргатади.* «Гулдаста».

4 Бирор нарса ёки иш-ҳаракат билан доим шуғулланадиган қилмоқ, шунга одатлантирмоқ. *Болани эрта туришга, салом беришга ўргатмоқ.* ▬ *Оқсоқол аввалги тилмочни ҳам уйига ўргатиб олган эмиш.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳа, бошидан қаттиқ туриб, ўргатиб олмасанг, кейин қийин бўлади.* Ф. Мусажонов, Нозик масала.

5 Бирор ишни бажаришга кўникма, малака ҳосил қилдирмоқ (асосан, ҳайвонлар ҳақида). *Итни ов қилишга ўргатмоқ.* ▬ *..князь учта отдан иккитасини бериб юборди, қолган битта отни коляскага ўргатгин, деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЎРГИЛМОҚ 1 Юксак ҳурмат, садоқат ва севги туфайли бутун борлиғини бахш этмоқ, фидо қилмоқ, қурбон қилмоқ. *Зарари йўқ, Махсум, шариатдан ўргилсак ҳам арзийди. Сиз билан менга ўхшаш аҳли мўминларга истаганимизча йўл топиб беради.* «Муштум».

Айланиб ўргилмоқ Бирор нарсанинг шайдоси, мафтуни бўлиб қолмоқ, парвона бўлмоқ. *Ўзбек ойим ҳам уни маҳкам сиқиб қучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб-ўргилар ва тикилиб-тикилиб, нима учундир, йиғлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 (*буйр. м. шаклида* – **ўргилай, ўргилсин**) Ниҳоятда ёқтириш, меҳрибонликни ифодалайди. *Вой, қоматингдан онанг ўргилсин!* ▬ *Оёғингга нима қилди? Кир, кир тезроқ! Бу ёққа, ўргилай..* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Юзинг ёруғ бўлибди, болам, вой, ўргилай сендан.* Газетадан. *Сенга етолмай оҳ урганлар қанча, амманг ўргилсин!* «Ёшлик».

3 (*1-ш. бирл. шакли* – **ўргилдим**) Ёқтирмаслик, эътироз каби муносабатни ифодалайди. *Э, ўргилдим ўша зарур ишидан, нима, биз бекорчимизми?* «Муштум». *-Э, савлатингдан ўргилдим! – дедим ичимда. Бу касалхонанинг сартарошики шу қадар пўрим бўлса, профессори қанақайкин?* Н. Аминов, Суварак.

Қулинг ўргилсин *қ.* **қул.** *Ёзда анави толнинг тагида қулинг ўргилсин битта чойхона очиб, турли овқатлар ташкил қиламиз.* Н. Аминов, Суварак.

ЎРГИМЧАК Ўзига овқат бўладиган ҳашаротларни тутиш учун тўр(ин) тўқийдиган бўғимоёқли йиртқич ҳашарот. *Ўргимчак уяси.* ▬ *Шифтда ўргимчак тўрига илиниб, бир мақомда ғинғиллаб турган пашша Низомиддиновнинг ғашига тегди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЎРГИМЧАККАНА Ўргимчаксимонларга мансуб, ўсимлик ширасини сўриб яшайдиган кана, майда ҳашарот. *Ширани, ўргимчакканани қийратгунча қанча овораи сарсон бўлган эдик.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎРДА *тар.* **1** Туркий ва мўғул халқларида ҳукмдор, хон қароргоҳи, қалъа. *Юсуфбек ҳожи бошлиқ еру кўкка сиғмаган музаффар халқ ўрда теварагини қуршаб тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Муллажон ёшлигида Қўқон хони ўрдаси олдидаги казарма майдонида отда машқ қилаётган солдатларни кўриб, солдат бўлишни орзу.. қиларди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

2 Қўшин қароргоҳи, лашкаргоҳ. *Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ўрда атрофи хандақ билан ўралган.* «ЎзМЭ».

Олтин Ўрда 13-асрнинг 40-йилларидан 16-аср бошларигача мавжуд бўлган, пойтахти турли даврларда турли шаҳарларда жойлашган, асосан туркий ва мўғул кўчманчи қабилалари иттифоқидан иборат йирик давлат.

ЎРДАК Ўрдаксимонлар оиласига мансуб, бўйни калта, оёқлари қисқа кураксимон, сувда сузиб юришга мосланган, ялпоқ тумшуқли парранда. *Ёввойи ўрдак. Хонаки ўрдак. Ўрдак тухуми. Ўрдак овламоқ. Дунёни сув босса, ўрдакка нима қайғу?* Мақол. *Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди.* Мақол. ▬ *Соҳилида чайқалар қамиш, Учиб ўтар баъзан ўрдак, ғоз.* Ё. Мирзо.

ЎРДАЛИК Ўрдада яшайдиган; ўрдада хизмат қиладиган, амалдор. *Ўрдаликка гап уқтириш қиёматдан қийин, тақсир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎРДУ *эск.* Қўшин, лашкар. *Ғалаба қўшини, меҳнат ўрдуси, дейди бизни тарих!.. Тўлқинларда ўсдик ўктам бўлиб.* Миртемир.

ЎРДУГОҲ Қўшин қўнадиган ёки турадиган жой, лагерь. *Кўп беклар ва йигитлар ўрдугоҳдан қоча бошлаган эдилар.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ярим кечада, бутун ўрдугоҳ уйқуга кетганда, у* [*Спитамен*] *ташқарига чиқиб, бир айланиб келди.* М. Осим, Искандар ва Спитамен.

ЎРИК 1 Гули оқ ва пушти, меваси эса оқиш, сарғиш, қизғиш рангларда бўладиган йирик дарахт. *Ўрик гули. Ўрик кўчати.*

2 Шу дарахтнинг данакли меваси. *Оқ ўрик. Ўрик мураббоси.* ▬ *Мен гўшт-ёғни ташиб бўлиб, ҳовлининг тўрига ўрик тергани бордим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жувон дастурхонга учта арпа нон, икки-уч ҳовуч ўрик ташлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЎРИКЗОР Ўрик дарахтлари ўсган ер, майдон. *Ўрикзорда қизил кўйлакли бир аёл кўринди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎРИКФУРУШ Ўрик савдоси, ўрик сотиш билан шуғулланувчи киши. *Шаҳардан қайтаётган ўрикфуруш ҳам, майизфуруш ҳам, донфуруш ҳам, эндиликда унинг карвонсаройида тунаб, қовоқхонасида кайф қилиб кетади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЎРИМ I 1 Буғдой, беда каби экинларни ёки ўт-ўланларни пояси тагидан ёппасига чалғи, ўроқ ва комбайнда қирқиб олиш; ўриш. *Ғалла ўрими. Биринчи ўрим. Ўрим асбоблари.* ▬ *Пастдаги бўлимларнинг экини ўримга келмай, мол қўйиб юборишди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Бетоб экан. Кун иссиқ, яна ўримга чиқибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Шундай ишлар мавсуми. *Нусратбек пичан ўримига вакил бўлиб, чорвадор районга бориб, Аҳмад бригадирникига ўтди.* С. Нуров, Нарвон.

ЎРИМ II Толасини ёки бир неча тутамини бирга қўшиб ўрилган ҳар бир бўлак; ўриб тайёрланган нарса. *Соч ўрими. Арқон ўрими.* ▬ *Эшоннинг аччиғи келиб, қамчининг ўримидан ушлаб.. бир калнинг калласига қўйиб юборди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Ашурхон қошларини бир оз чимирганича, бир ўрим сочининг учини ўйнаб, индамай ўтирарди.* С. Зуннунова, Олов. *Баланд пешонасининг икки четини сочлари бекитган, ўримга кирмай қолган ингичка соч толаларига шабада тегиб, мулойим қимирлаб туради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЎРИМ-ЙИҒИМ Деҳқончилик ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари, шундай ишлар жараёни, мавсуми. *Ёз бор, куз бор, пишиқчилик, ўрим-йиғим бор, худо хоҳласа.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эндиги муҳим вазифа — ўрим-йиғимни ғоятда қисқа фурсатда уюшқоқлик билан ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймасликдан иборат.* Газетадан.

ЎРИН (3-*ш. бирл.* — **ўрни**) **1** Бирор кимса ёки нарса ишғол қилиб турган ёки ишғол қилиши мумкин бўлган ер, сатҳ ёки фазо; жой. *Тошни ўрнидан қўзғатиб бўлмади. Ўтирган ўрин топади.* Мақол. ▬ *Баъзилари ўтирган ўринларида мудраб қолишибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мактаб қишлоқнинг қоқ ўртасида бўлади. Ҳу, ана у ерга идора, клуб тушади. Мана бу тўқайнинг ўрни боғ бўлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сафар бўзчи турган ўрнидан силжимади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *У ўтирган ўқув залида ҳамма ўринлар банд.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ухлаш, ётиб дам олиш учун тўшаб қўйилган кўрпа, ёстиқ ва ш. к. мажмуи; жой. *Муҳаббат чирой танламас, уйқу — ўрин.* Мақол. ▬ *Она-бола бир ўрин ёзиб ётдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Комил кетгандан кейин Бўронбдек уйига кириб, чинни косада тўлдириб бўза симирди-да, ўрин солиб ётди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ўрин йиғилмаган, тошойна олдидаги курсида Мунисхоннинг ички кўйлаги ётарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 Яшаш учун бошпана, тураржой, маскан. [*Қутидор:*] *Уятсизга менинг уйимда ўрин йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Кишининг, нарсанинг ҳаётда ўзига хос фазилат, мавқе ва ш. к. билан белгиланувчи ҳолати, мавжудлик мақоми. *Кун ҳисобин ой олар, бедов ўрнин той олар.* Мақол. ▬ *-Бу қиздан бир бало чиқади. Ўнта ўғилнинг ўрнини босади, — дейишарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тушуниб турибман, ўлганларнинг ўрни мана шунақа улуғ айёмда йўқланади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Бирор нарсанинг маълум бир жойи, қисми, бўлаги. *Эртакнинг баъзи ўринларини қолдириб кетмоқ. Мақоланинг айрим ўринларига тузатиш киритилди.* ▬ *Кумушбиби хатнинг бу ўрнига етганда қизариниб, бир оз ўқишдан тўхтаб олди ва давом этди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Иш-ҳаракат, фаолият ва ш.к. нинг белги-даражаси жиҳатидан кўрсаткичи, банд этган ҳолати, даражаси. *Бир вақтлар Тошкент шаҳри дов-дарахтлар бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турарди.* Газетадан. *Ўйлаймизки, йигитлар совринли ўринлардан бирини олишга ҳаракат қилишади.* Газетадан.

7 Вазифа, лавозим. *Ўрнини эгалламоқ. Ўрнидан бекор қилмоқ. Эски раиснинг ўрнига янгиси сайланди.* ▬ *Халқ иши бўлгандан кейин ўриннинг катта-кичиги бўлмас экан, Эргашвой.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Асқар ота эркаклар қошида кўп муҳтарам хотинларни кўрган, лекин буларнинг кўпчилиги раис, мудир, директор дегандай раҳбарлик ўриндаги хотинлар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

8 (3-*ш. эгалик шаклида*) Бирор иш-ҳаракатни бажариш учун қулай фурсат, пайт, маврид; хонаси. *Ўрни келса, отангни ҳам аяма.* Мақол. ▬ *Бўлак гапларни ўрни билан гаплашармиз. Биз томонларга ҳам боринг.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўрни келмаганда, мен ҳам гапирмас эдим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Ҳозир иноднинг ўрни эмаслигини ҳарчанд уқтирмоқчи бўлдим, кўнмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Бирор иш, ҳаракат учун зарурат, асос; ҳожат, эҳтиёж. *Меҳнатсиз пул топиш йўлига тушгач, чўнтакни қаппайтириб олгандан сўнг, ишни ҳам, коллективни ҳам ҳурмат қилишга ўрин қолармиди?* «Муштум». *Васвасаланишнинг ўрни йўқ, мундан сўнг ҳам сизнинг хайрихоҳона кенгашларингизга муштоқман..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 (*бу, шу* сўзи билан) Муайян фурсат, ҳолат маъносини билдиради. *Шу ўринда яна бир нарсага эътиборни қаратмоқчиман.* ▬ *Рафиқам Мукамбархоннинг тадбиркорлиги бу ўринда ҳам жонимга ора кирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

11 Муайян мавқе, ҳолат. *Шахснинг ҳазил-мутойиба, юморга мойиллиги ҳам муҳим ўрин тутади.* «ЎТА». *Ўтмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Бу оддий тракторчи жувонга бўлган эҳтиром уни айрим ўринга қўяр эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

12 Макон маъноли грамматик терминлар таркибида қўлланади: *Ўрин келишиги. Ўрин ҳоли. Ўрин эргаш гап.*

13 (*3-ш. эгалик ва ж. к., ў.-п. к. шаклида* — **ўрнига, ўрнида**) *кўм взф.* Зидлик, қиёс каби муносабатларни, *каби, эваз, кўра* кўмакчиларига хос маънони билдиради. *Лекин ечиниш ўрнига шошилиб портфелини олди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Сенинг ўрнингга ит боқсам бўлмасмиди!* С. Аҳмад, Уфқ. *Бу кунки қорачопон ва қипчоқ низоларини сизга бир тимсол ўрнида кўрсатайин..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Нима қилди? — деган эди, опаси ўрнига синглиси жавоб берди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

14 Ўрин (эркаклар исми).

Иссиқ ўрнини совитмоқ (*ёки* **ташламоқ, кечмоқ)** Мавжуд қулай, яхши шароит-имкониятидан, жойидан кечмоқ, уни ташламоқ. *..ҳе йўқ, бе йўқ иссиқ ўрнимни совитиб, ишимдан олиб ташласанг..* Газетадан. *Сабабики бўлмаса, ким иссиқ ўрнини ташлаб, қум тепаликлари орасида саргардан бўлиб юради?!* Мирмуҳсин, Меъмор. **Кўнгли ўрнига** (*ёки* **жойига**) **тушмоқ** Кўнгли таскин топмоқ, хотиржам бўлмоқ. *Хўш, кўнглинг жойига тушдими?* О. Ёқубов, Чин муҳаббат. **Ўрин йўқ** Кераги йўқ, ортиқча. *Кўнгил яқин жойда бундай гапларга ўрин йўқ.* С. Зуннунова, Янги директор. **Ўрнига келтирмоқ** *айн.* **ўрнига қўймоқ.** [*Қодиров*] *Колхозчилар йўл-йўлакай қўл қовуштириб салом беришларини, иззат-ҳурматини ҳамиша ўрнига келтиришларини истайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Ўрнига ўтмайди** Ўрнини босмайди, мурод ҳосил бўлмайди. *Мамажон полвон ишга тушишдан олдин патефонни бир қўйиб, музика эшитиб олмаса, ўрнига ўтмайди.* Газетадан. **Ўрнига қўймоқ** Кўнгилдагидек, қойил қилиб, жуда яхши бажармоқ; ўринлатмоқ. *Тошкент халқаро анжуманларни ўрнига қўйиб ўтказишда бой тажрибага эга.* Газетадан. *Ғулом ака унга иш буюриб қолгудек бўлса, боши осмонга етар, севинганидан чопқиллаб бориб, дастёрчиликни ўрнига қўярди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Ўрнида кўрмоқ** Қаторига қўшмоқ; ҳисобламоқ. *Мардикорни, хизматкорни, косибни одам ўрнида кўришмайди бу замонда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу икки йилдан бери менга бўлган алоқангиз бир зарра ҳам ўзгарган эмас.. мени хотин ўрнида кўрмайсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎРИНБОСАР 1 Бирор кимсанинг ишини давом эттирадиган, мавқеини эгаллайдиган шахс; шогирд. *Сохта олимларнинг ёмон иши — улар ўз ўрнига ҳам сохта ўринбосарлар тайёрлашидир.* Р. Усмонов, Одобнома. *Муносиб ўринбосарлар вояга етаётганидан хурсандман.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Бошлиқ ёки раҳбарнинг вазифасини бажариш ҳуқуқига эга бўлган расмий ёрдамчи; муовин. *Директорнинг ўринбосари.* ▬ *Сизни ўзимга ўринбосар қилиб олганимда, умидим катта эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЎРИНДИҚ 1 Ўтириш учун мўлжалланган махсус мослама (мас., стул, кресло, диван ва ш. к.). *Ўриндиқда ўтирган қиз сакраб ерга тушди.* М. Назаров, Сирли хат. *Меҳрихон опа инграганича «Москвич»нинг орқа ўриндиғида ётарди.* Н. Қобил, Беморлар. *-Хизмат? — деди Каримий дарвоза оғзидаги тахта ўриндиққа пуфлаб ва Баширжонни ўтиришга таклиф этди.* Н. Аминов, Суварак.

2 Шундай нарсаларнинг орқа (кўт) қўйиб ўтириладиган жойи, қисми. *Ёдгорнинг кўз ўнги қоронғилашди-ю, йиқилиб қолмаслик учун, стул ўриндиғини чангаллаб олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЎРИНДИҚЛИ Ўриндиғи бор. *Анвар юмшоқ ўриндиқли креслони Алимардоннинг олдига сурди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЎРИНДОШ 1 *айн.* **ўринбосар.** *Уни тахтдан маҳрум этмоқчи бўларди. Аммо Исфандиёрнинг ўрнига ўриндош тополмай иккиланарди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Ўриндошлик йўли билан ишловчи шахс.

ЎРИНДОШЛИК Асосий лавозими билан бир вақтда бошқа маошли лавозимни ҳам эгаллаб туриш. *Вазифани ўриндошлик йўли билан бажармоқ.* ▬ *.. шаҳар поликлиникасига ярим ставка билан ўриндошликка ишга жойлашиб олди.* Газетадан.

ЎРИНЛАМОҚ 1 *кам қўлл.* Адо этмоқ, бажармоқ, ижро этмоқ. *Устахонада ҳар ким мавсумий ишларини барвақт ўринлаб қўйишга шошиларди.* Газетадан.

2 Амалга ошмоқ; ижобий натижа бермоқ. [*Сафар бўзчи:*] *Ариза ўринласа, яна хизмат қилармиз, мирзабоши.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎРИНЛАТМОҚ Яхшилаб, кўнгилдагидек қилиб бажармоқ, ўрнига қўймоқ, дўндирмоқ. *Шерназарбой ўзини мақташга уста бўлиб, гапни жуда ўринлатар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу йил звеноликни ўринлатинг, келаси йили, албатта, бригадир бўласиз.* Уйғун, Дўстлар. *Қачон менинг айтганимдек қилиб ўринлатувдингки, энди ўринлатасан!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЎРИНЛАШМОҚ *айн.* **ўрнашмоқ.** *Отлиқ меҳмон ўринлашиб олгач.. Зокирбой ўтирганларга кибр-ҳаво билан уни таништира бошлади.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Борабора бу фикр унинг бошига жиддий ўринлашиб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎРИНЛИ 1 Миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, шу сўзлар билдирган миқдорда ўринга эгаликни билдиради; ўринга эга, ўрни бор. *Тўрт ўринли енгил машина. Олти юз ўринли зал. Икки юз ўринли касалхона.* ▬ *Шерзод ётган еттинчи палата икки ўринли эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 Ҳақиқатни ифодалайдиган, адолатли; асосли, тўғри. *Ўринли мулоҳаза. Ўринли фикр. Ўринли маслаҳат.* ▬ *Ҳасан сўфи билан Алим бува Қудратнинг ўринли гапларини жон қулоқлари билан тинглашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Жоиз, муносиб. *Шуни айтиб ўтиш ўринлики, бу муносабатнинг моҳияти ҳақида ўзбек тилшунослигида фикр баён қилинмаган.* «ЎТА».

4 Ўз жойида, ўрни билан, заруриятга кўра; тўғри. *Ўринли харажат. Ўринли сарф. Минерал ўғитларни ўринли ишлатмоқ.*

ЎРИНСИЗ 1 Асоссиз, бесабаб, беҳуда, ортиқча, нотўғри. *Ўринсиз ғазаб. Ўринсиз араз. Ўринсиз койимоқ.* ▬ *Аваз қозининг шикояти ўринсиз топилиб, мол-мулки мусодара қилинди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Қўрқмангиз, ҳожи!.. Марғилон ҳокими ўринсиз қон тўкувчи эмасдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ярим кечага борганда, Оқилахон қуруқ туҳмат, ўринсиз таъналардан қутулиш йўлларини ўйлай-ўйлай, диванга суянганича ухлаб қолди.* Р. Раҳмонов, Талваса.

2 Муайян вазиятга тўғри келмайдиган, ёпишмайдиган; ноўрин. *Убай, директорнинг ўринсиз ҳазилидан шартта орқасига ўгирилди-ю, кабинетдан чиқиб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Муҳаммаджон ҳозир гапиришни ўринсиз деб билди ва қовоғини солиб, юзини Зокирдан ўгириб олди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Бирор заруратсиз қилинган; фойдасиз, нотўғри, беҳуда, чакки. *Бир бойнинг икки ўғли бўлиб, каттаси маишатпараст, серхаражат, пулни ўринсиз сарф қиладиган экан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЎРИС *эск. с. т.* Рус. *Ўрис хотин.* ▬ *Ўрис амалдорга тегажоғлик қилишни унга ким қўйибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎРИСЧА *эск. с. т.* Русча. *Қани энди, мен ҳам ўрисчани шариллатиб ўқийдган бўлсам.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЎРИШ I **Ўрмоқ** I фл. ҳар. н. *Давлатбеков.. пичан ўриш графигини ошириб бажаришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиляпти.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎРИШ II **Ўрмоқ** II фл. ҳар. н. *Сочларини қирқ кокил ўришларини айтинг.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *тех.* Тўқиманинг, матонинг узунасига ўтган иплари. *Ўриш ва арқоқдай Текис зеҳнимда Тўқилишга тайёр Янги қўшиқлар.* Ғ. Ғулом.

ЎРКАЧ 1 Туянинг орқа сиртида битта ёки иккита бўладиган, қалин ёғ қатламидан иборат дўнг ўсимта. *Уни* [*туяни*] *ҳеч ким қистамайди, етакламайди ҳам, худди машинадай, ўз ишини ўзи билади: ўркачларини диркиллатиб лўкиллаганича, бир йўлдан тинмай бориб-келиб туради.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Нор ўркачин туширар эсга Дарё бўйидаги тепалар.* Э. Раҳим.

2 *кўчма* Тепалик, тоғ ва ш. к. нинг ўркачга ўхшаш жойи. *Қирнинг ўркачи нари четда юксалган тоғнинг белига етиб турар.. эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Узоқдан қораийиб кўриниб турган тоғ ўркачига тўлин ой*

миниб олди. Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мавзе чети ўркач қирларга туташ.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ЎРКАЧДОР Йирик, катта ўркачли. *Бахмал, кимхоб ёпилган ўркачдор туяларга ёки каттакон зар дўппиларга ўхшаб кетган барханлар унга дош беролмай чекинардилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Дараю довонлардан ошиб, ёш-яланг йўловчилар «Қиз сийна» деб аталган ўркачдор тепаликка кўтарилдик.* Й. Муқимов, Қўшбулоқ.

ЎРКАЧЛАНМОҚ Ўркачга ўхшаб кўтарилмоқ. *Сувнинг ўркачланишини қаранг, ҳар қандай отни ҳам эсанкиратади..* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЎРКАЧЛИ Ўркачи бор. *Ўркачли туя. Икки ўркачли туя.*

ЎРЛАМОҚ 1 Юқорига, тепаликка томон юрмоқ, йўналмоқ, чиқмоқ. *Тоққа ўрлаб Очил кетиб боради.* Фозил Йўлдош ўғли. *Аёли ёш боладай унинг қўлидан тутади. Етаклашиб, юқорига ўрлайдилар.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Қирга ўрлаб кетадиган сўқмоқда бир эшакли боряпти.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

2 Кўкка (осмонга) кўтарилмоқ; юқориламоқ. *Султон улардан* [*қуюнлардан*] *қочиб, машинани дам чапга, дам ўнгга бурди, ниҳоят, қутулдик деганимизда, яна биттаси рўпарамиздан осмонга ўрлаб қолди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Уйларнинг мўрисидан кўтарилган тутун осмонга ўрлайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЎРЛИК *шв.* Ўжарлик. *Ўрлик қилса, айтган сўзга кўндириб, Мусофирга зўрлигимиз билдириб..* «Ёдгор». *Одамлар чолни ўрликда қанчалик айбламасин, лекин у жўн турмушга кўникиб кетолмади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЎРМА Ўриб, эшиб тайёрланган. *Ўрма арқон.* ▬ *Сувонжон нақ елкасига тушай деган ўрма қамчига чап берди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЎРМАК Шолча ёки гилам тўқийдиган маҳаллий дастгоҳ. *Уйнинг соя томонига Санам хола узун қилиб ўрмак қурган.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Эндигина қурила бошлаган ўрмак атрофида уймалашаётган келинларига, невараларига тикиларкан..* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Уйнинг ичига ўрмак тикиб, фронт учун пайтава тўқийди.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

Ўрмак қўймоқ *айн.* **танда қўймоқ 2** *қ.* **танда.** *Мана, бир йилдирки, у* [*Нусрат*] *тағин Тошкентга ўрмак қўйиб қолди.* Э. Аъзамов, Жавоб.

ЎРМАЛАМОҚ 1 Юрмоқ (ҳашаротлар ҳақида). *Қўнғиз ўрмалайди. Қирқоёқ ўрмалаб кетмоқда. Дарахдан турган қуртлар барг қидириб ўрмаламоқда.* ▬ *Адирда бир чумоли Ўрмаласа, у* [*бобо*] *сезар.* Қ. Муҳаммадий.

2 Худди шундай юриш қилмоқ, судралиб юрмоқ; эмакламоқ. *Танклар далага ёйилиб, ўт пишқириб, ҳар ёқдан ўрмалаб келарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бектемир душман мудофаасига яқин жойдан ўрмалаб келган бир танкистнинг бетига қарашга ботина олмади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Узоқдаги адирнинг ёнбағрида бир нима ўрмалаб келяпти.* О. Ёқубов, Излайман.

3 Юқорига томон тирмашмоқ, ёпишиб чиқмоқ, кўтарилмоқ. *Элмурод қалбига милтиқ товушлари билан кираётган қувонч таъсиридан ҳовлиқиб, том устига ўрмалади.* П. Турсун, Ўқитувчи. [*Болалар*] *Гоҳ тик қояга ўрмалар, гоҳ илон изи бўлиб кетган сўқмоқдан пастликка – дарага тизилишиб тушиб боришарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 Милдираб оқмоқ, жилдираб ўтмоқ (сув, томчи ҳақида). *Тагидан сув ўрмалаган ҳар туп ғўза тирилмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ота чуқур тин олди. Ич-ичига ботиб кетган кўзларидан ёш ўрмалайди.* А. Қуронбоев, Ориятсиз ўғил.

ЎРМОН Бир-бирига ва ўсиш шароитига таъсир этувчи ва географик ландшафт элементини ҳосил қилувчи дарахтсимон ўсимликлар мажмуи, дарахтлар ғуж ўсган жой. *Қалин ўрмон. Ўрмон хўжалиги.* ▬ *Петербург остонасидаги ўрмонларда дарахт қулатади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Улар фақат кечга яқин қалин ўрмон билан ўралган кичкинагина бир қишлоққа етиб келишди.* А. Раҳмат, Соқов бола.

ЎРМОНЗОР Ўрмонли жой; ўрмон, дарахтзор. *Бир ёни сой, бир ёни қалин ўрмонзор эди.* Уйғун.

ЎРМОНЛИ Ўрмони бор; ўрмон билан қопланган. *Ўрмонли тоғ. Ўрмонли жой.*

ЎРМОНЛИК *айн.* **ўрмонзор.** *Кўзларидан ўт сочди. Ўрмонликдан тун қочди.* Ҳ. Олимжон.

ЎРМОНЧИЛИК Халқ хўжалигининг ўрмон ҳосил қилиш ва ўрмон маҳсулотини тайёрлаш билан шуғулланувчи соҳаси (ўрмоншуносликнинг бир тармоғи). *Ўрмончилик хўжалиги. Ўрмончилик саноати.*

ЎРМОНШУНОС Ўрмончилик мутахассиси. *Ўрмоншунос олим. Ўрмоншунослар тайёрламоқ.*

ЎРМОНШУНОСЛИК Ўрмон ҳаёти, ўрмонлар яратиш ва ўрмон маҳсулотидан фойдаланиш ҳақидаги фан.

ЎРМОҚ I Ғалла ўсимлиги, ўт, беда ва б. ўсимликни чалғи, ўроқ, комбайн ва ш. к. билан қирқиб олмоқ. *Арпа ўрмоқ. Қамиш ўрмоқ. Янтоқ ўрмоқ.* ▬ [*Бекбой:*] *Ўроқ ясатиб беринг, мен ҳам буғдой ўраман, деб жони-ҳолимга қўйдими бу қизча.* Н. Сафаров, Дон. *Қоровул шўра ва ялпизларни ўриб, сув урган жойга тиқа бошлади.* «Ёшлик».

Арпангни хом ўрдими? *қ.* **арпа. Ўроқ ўрмоқ** Ўроқ билан ўрмоқ, ўроқ билан ишламоқ. *Машраб индамай, ўроқ ўраётган жойига қараб кетди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Сизнинг молларингизга қараган, ўроғингизни ўрган, хирмонингизни янчган.. бир инсонни биламан..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎРМОҚ II Толаларни ёки уларнинг бир неча тутамини бир-бирига чалмаштириб тўқимоқ, эшмоқ. *Сочни ўрмоқ. Қамчи ўрмоқ.* ▬ *Ҳафиза оқ батис(т) кўйлагини.. кийиб, сочини битта қилиб ўрган эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Отга чиғаноқли асбобларни тақиб, ёлини қизил латталар билан ўриб, отнинг атрофида айланиб, унга жуда зеб берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎРМОҚ III *шв.* Ўрламоқ; ўрмаламоқ. *Ёлғизоёқ йўлдан қирга томон ўриб чиқаётган бир тўда аёлларни ўз оғзига қаратиб бораётган Маъсумаойнинг сўзини кимдир бўлди.* Н. Сафаров, Дон. *Дасталарга чиққан қуртлар, пилла ўраш ўрнига ўриб юрар, якка-якка ўраганлари ҳам пиллани тешиб, яна чиқиб кетган эди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

ЎРНАК Бошқалар эргашса, тақлид қилса арзийдиган иш ёки ҳаракат намунаси. *Ўрнак бўлмоқ (кўрсатмоқ). Ўрнак олмоқ.* ▬ *Саккиз қават кўрпада оёғини узатиб ётган кексаларнинг бел боғлаб, далага чиқиши — бошқаларга ўрнак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шундай оғир, масъулиятли пайтларда командирнинг шахсий жасорати ва ўрнаги бир онда юзларча одамларни қаноатлантирадиган қандайдир сеҳрли бир кучга эга эканига асло шубҳа қилмасди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Сержант меҳнатда қандай ўрнак бўлган бўлса, жангда ҳам жангчиларга ўрнак бўляпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎРНАКЛИ Ўрнак бўладиган, бошқалар тақлид қилса арзийдиган; ибратли. *Ўрнакли иш. Ўрнакли жасорат.* ▬ *Мудир жадал қадам ташлаган ҳолда тўхтовсиз гапирар, унинг сўзлари ҳам ўрнакли, ҳам қизиқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎРНАМОҚ *кам қўлл.* Ўринлашмоқ, ўрнашмоқ. *Стол яхши ўрнади.* ▬ *Саидий — жўн студент, ёзувчиликка ўрнаб, ҳамиша муваффақиятсизликка учраб юрган бир йигит.* А. Қаҳҳор, Сароб

ЎРНАТМОҚ 1 Муайян бир ҳолатда ўрнига мослаб қўймоқ, жойламоқ, ўрнаштирмоқ. *Йўлчи шамни қизнинг тепасидаги токчага ўрнатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмаджон чакалакзордан ўтиб, пулемётни снаряддан ҳосил бўлган бир чуқур бўйига ўрнатди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бунёд қилмоқ, ясамоқ, қурмоқ. *Ҳайкал ўрнатмоқ. Стенд ўрнатмоқ. Майдон ўртасига монумент ўрнатмоқ.* ▬ *Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатиш расм бўлди.* Газетадан.

3 Бирор ҳолатни юзага келтирмоқ, жорий қилмоқ. *Тинчлик ўрнатмоқ. Интизом ўрнатмоқ.* ▬ *Ғуломжон дастлабки кундан тортиб мактабда қаттиқ тартиб ўрнатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..Ахир, адолатни қон тўкмай ўрнатса бўлмайдими?* К. Яшин, Ҳамза.

4 Ишга, ўқишга ва ш. к. га киритмоқ, жойлаштириб қўймоқ. *Мана, Қодиров номига ёзилган хат, сизни ишга ўрнатиб қўяди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЎРНАШМОҚ 1 Бирон ўринни ёки жойни эгалламоқ, эгаллаб ўтирмоқ, ўринлашмоқ. *У креслога қулай ўрнашиб олди. Ўрнашиб ўтиринг. Жой нотекис бўлгани учун стол ўрнашмади.* ▬ *Ҳалиги шох арқоннинг орасига бутоқ-мутоқлари билан кириб, маҳкам ўрнашиб олибди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Сидиқжон эгарга яхшироқ ўрнашиб, отнинг жиловини силкиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Бир жой, ўринда мавжуд бўлмоқ, унда жой олмоқ. *Кўзларига ўрнашган, сингишган ғам кетмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бирор жойни ишғол қилмоқ, бирор жойда яшамоқ; ҳаёт кечирмоқ, турмоқ. *Ётоққа ўрнашмоқ. Квартирага ўрнашмоқ. У шаҳарга ўрнашиб қолди.* ▬ *Янги ерларга жасур ёшлар кўчиб боришиб, ўрнашиб қолмоқдалар.* Газетадан. *Душман муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган станцияда жуда маҳкам ўрнашган ва ҳар қандай қурбон бадалига бўлса-да, уни қўлдан чиқармасликка тиришарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Бирор иш-фаолият, лавозим ва ш.к. да ўрин эгалламоқ, унда муқим бўлмоқ. *Директорликка ўрнашмоқ. Институтга ўрнашмоқ.* ▬ *У вилоят газетасига масъул котиб бўлиб ўрнашди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Аммо Холмирзаев ҳеч ерда муқим ўрнашолмади.* «Муштум».

5 *кўчма* Эс, хаёл ва ш. к. да жой эгалламоқ. *Бу лавҳанинг ҳаммаси унинг хаёлига қаттиқ ўрнашиб қолган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *..майин товуши, нуқрадек совуқ ва ясамароқ жилмайиши хотирамга ўрнашиб қолди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Бақиргандан кўра, мароми билан секинроқ қилинган таъна қулоққа яхшироқ киради, зеҳнга яхшироқ ўрнашади.* Газетадан.

ЎРОВ Ўралган, қуршалган ҳолат; қуршов. *Талвасага тушган душман, ўровда қолган бўлса ҳам, осонликча жон бермай, қаттиқ олишарди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

ЎРОЛ *фольк.* Гап ёки нутқнинг боши, бошланиш; муқаддима. *Ўзбекча «йўл бўлсин» деган сўз гапнинг ўроли бўлади.* «Равшан». *Ўзбекнинг қизи ҳар сўзининг ўролида айтади: -Эр Алпомиш ёрим бордир, Элда зўраворим бордир..* «Алпомиш».

ЎРОҚ 1 Турли бошоқли экинлар, беда, пичан ва ўтларни қўлда ўриш учун ишлатиладиган, бели букик, ўткир тиғли меҳнат қуроли; қўл ўроқ. *Йўлчи ўроққа диққат билан тикилиб қаради ва энкайиб ўра бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Даштдаги буғдой асосан ўроқ билан ўрилгани учун, машоқ фақат янтоқ қалин жойлардагина кўпроқ учрарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Чалғи ўроқ *с. т.* Чалғи. *Эҳе, машина лиқ тўла темир асбоб. Бир хили чалғи ўроққа ўхшаб тиғи қайрилган.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. **Ўроқ ўрмоқ** *с.т. қ.* **ўрмоқ** I. *Очил омочга бўйи етиб-етмай қўш ҳайдаган, ёз ойларида отасига қўшилиб ўроқ ўрган, тоғларда қўй боққан.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Қўл ўроқ** *айн.* **ўроқ 1**. [*Сотволди:*] *Айтгандай, бир қўл ўроқ, бир чалғи, кетмондан иккита.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *с. т.* Ўриш иши; ўриш жараёни. *Авжи ўроқ пайти. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда — ҳозир.* Мақол. ▬ *Қирдаги буғдойлари, қўриқлардаги деҳқончиликларини саранжомлагандан кейин Бердибой тўқайга шоли ўроққа кетади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олмоқ Дуч келган кишига озор бермоқ, безорилик қилмоқ. *-Ўша кезлари Бургут босар-тусарини билмай, медалларини жаранглатиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб юрди, — деди чол.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ЎРОҚ-БОЛҒА *тар.* Ишчилар ва деҳқонларнинг бирлиги, иттифоқи рамзи сифатида бирининг устига бирини қўйиб, чалмаштириб туширилган ўроқ ва болға сурати. *Унинг [танганинг] буғдой бошоқ қўшилган ўроқ-болға тамғаси сув остида Саодатнинг кўзига ўзгача ярқирамоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

ЎРОҚЧИ 1 Ўроқ ясовчи уста, темирчи.

2 Ўриш иши билан шуғулланувчи, ўрувчи киши. *Ўроқчининг ёмони ўроқ танлар.* Мақол. ▬ *Эртасига ўроқчилар қуруқ пичанларни тўп-тўп йиғнай бошладилар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўзини чапдаст-эпчил ўроқчи ҳисоблаган Ёрмат.. Йўлчининг ишида ҳеч қандай камчилик топа олмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎРОҚЧИЛИК 1 Ўроқ (ўриш) иши. *Мен қараб турмадим: пода боқдим, ўроқчилик қилдим, отбоқар бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *эск.* Бозорда ўроқчилар растаси, қатори.

ЎРОҒЛИҚ Ўраб, беркитиб қўйилган; ўралган. *Қудратни қўлтиқлаб, сўри остидаги стулга бориб ўтирди ва газетага ўроғлиқ блокнотини очди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳури қўлидаги қоғозга ўроғлиқ нарсани Насимага тутқазиб, самимият билан гапирди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Эсонбобо.. ўроғлиқ турган дастурхонни ёзиб, бойваччанинг олдига сурди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ЎРП *шв.* Елин. *Биянинг ўрпига сутлар келади. Буни кўриб Ҳаким отдан қўнади.* «Алпомиш».

ЎРТ *шв.* Олов, ўт, аланга. *Шубҳа қовурар эди Баъзиларни мисли ўрт.* Миртемир.

ЎРТА 1 Сатҳнинг четларидан марказига томон тенг узоқликда бўлган қисми, нуқтаси; марказ. *Ноннинг ўртаси. Газетанинг ўртаси. Хонанинг ўртаси. Ҳовузнинг ўртаси. Тарвузнинг ўртаси.* ▬ *У* [*Сувонжон*] *девордан бир сакрашда ошиб тушди-ю, кучининг борича олдинга интилди. Боғнинг ўртасида Ойсулувга етди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Шаҳарнинг ўртасида danғиллама ҳовлим бор!* О. Ёқубов, Учрашув. *Тўхта хола ҳовли ўртасидаги сўрига келиб, оппоқ ёстиққа энгашди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Узун нарсанинг икки учидан тенг узоқликда бўлган нуқтаси, жойи. *Арқонни ўртасидан кесмоқ.* ▬ *Ўш билан Андижон йўлининг ўртасида шумшайиб ётган Қорабулоқ қишлоғи бирваракасига уйғониб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Икки ёки ундан ортиқ нарсаларнинг оралиқ қисми; оралиқ. *Чап томонда тоғ этаклари, ўнг томонда яшил пахтазор, ўртасида қишлоқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шарқу ғарб ўртасида катта бир манзил, Чин-Мочиндан толиқиб келган карвонлар..* М. Шайхзода.

4 Кишилар ёки бир жойдаги нарсалар ораси; қуршов, давра. *Ўртада бир неча қизлар рақс тушмоқда — жонли, шўх, тетик рақс.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Оломон ичидан Мамажон ўртага чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Санам хола билан қандай ярашганини айтди-ю, қайнанаси пишириб берган вараки сомсаларни ўртага қўйди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

5 *сфт.* Оралиқ (ўрта)да бўлган; ўртадаги. *Ўрта бармоқ. Ўрта эшик. Ўрта ҳовли.*

6 Бошланишидан ва охиридан тахминан тенг узоқликда бўлган вақт. *Куннинг ўртаси. Йилнинг ўртаси.* ▬ *Саратон ўтган, кузнинг ўртаси — меҳржон [кузги ҳосил байрами] палласи эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

7 (*асосан ў.-п. к. шаклида* — **ўртада**) Ҳамма ёки бир неча киши учун умумий, тенг, бир хилда тегишли бўлган. *Ўртада машиналар, Ўртада бу гараж ҳам, Дўст бўламиз чинакам.* Қ. Муҳаммадий. [*Низомиддинов:*] *Колхоз эмиш-а, ҳамма нарса ўртада: Бутун бир қишлоқ бир кўрпада. Ер ўртада, мол-жон ўртада.* С. Аҳмад, Ҳукм.

8 Меъёрий даражали; ўртача. *Ошнинг тузи баланд ҳам, паст ҳам эмас — ўрта. Ўрта бўйли йигит. Ўрта ёшли аёл.* ▬ *Деҳқон. Ўртадан кўра пастроқ, пастдан кўра юқорироқ хўжалиги бор.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

9 Беш балли баҳо тизимида «яхши»дан паст, «ёмон»дан юқори даражадаги баҳо; ўртача, қониқарли. *Ўқувчининг билимига «ўрта» қўймоқ. Иншодан «ўрта» олмоқ.* ▬ *Хўп, ҳозир кўрамиз.. «Яхши!».. «ўрта».. «ўрта». «Қани аъло?».* А. Қаҳҳор, Айб кимда?

10 (*макон келишиклари шаклида* — **ўртага, ўртада, ўртадан**) *кўм. взф.* Макон, пайт ёки объект муносабатини билдиради. *Гавҳар шошилмай ўтиб, Зулайҳо билан Абдухалилнинг ўртасига ўтирди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Отанг билан ўртамизда шундай гаплар ўтган..* М. Ҳазратқулов, Журъат. *..икки кундош ўртасидан анча гаплар ўтгани бир даража маълум бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ширмонжон оломон ўртасидан суғурилиб чиқди.* С. Зуннунова, Олов.

Икки ўртада Томонлар тортишуви оқибатида. *Икки ўртада қизимга жабр бўлмаса гўрга эди!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ўрта йўлда қолмоқ** *айн.* **арасотда қолмоқ** *қ.* **арасот.** *У ўрта йўлда сўппайиб қолган эди. Изма-из жазони ўтаб чиққан «устоз»нинг этагидан маҳкам тутди.* «Муштум». **Ўртага олмоқ** Бирор нарса юзасидан кўпчилик бўлиб панд-насиҳат қилмоқ, таъсир ўтказмоқ. *«Йиғи»дан сўнг икки овсин дарров Нурини ўртага олиб, шивир-шивир билан «фалокат»ни тушунтира бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ўртага солмоқ** *айн.* **ўртага ташламоқ.** *Умумий мажлис қиламиз, ўртага соламиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ўртага ташламоқ** Кўпчилик муҳокамасига тақдим этмоқ. *Иброҳимов.. ўртага ташланган фикрларни ва уларнинг тўғри ё нотўғри эканлигини исбот қилиш учун кўрсатилган далилларни ўлчаб, салмоқлаб кўрди.. ёзиб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ўртага тушмоқ** *айн.* **орага тушмоқ** *қ.* **ора.** -*Битта гапдан қол, Умар, аччиғингни ют,* — *деди Бўронбой ўртага тушиб.* К. Яшин, Ҳамза. *Аммо хўжайин ўртага тушса, у вақт иш силлиқ бўлиб чиқса керак, деб ўйлайман.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ўртада қолмоқ** *айн.* **орада қолмоқ** *қ.* **ора.** *[Эримбет:] Элгелди оға, воқеа ўртамизда қолсин.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Ўртадан кўтармоқ** Йўқ қилмоқ. *Ноқулай вазиятни ўртадан кўтармоқ.*

Гина-кудуратни ўртадан кўтармоқ. ▬ *Мусулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб қилганда, золимларни ўртадан кўтариб, юртга осойиш берганда, унга ким нима дея олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎРТААСРЧИЛИК Ўрта асрга хос хусусият, ҳолат.

ЎРТАКАШ *с.т.* Тўй, зиёфат, ўтириш ва ш.к. маросимларда даврани олиб борувчи, маросимни бошқарувчи киши, тамада. *Ўртакашнинг «Тўй — тўйдай бўлсин!» деб қичқирганларини эслаган бўламиз.* Газетадан.

ЎРТАЛИК *кам қўлл.* Ўрта ер, ўрта жой; ўрта, оралиқ. *Вақт кечикиб бормоқда, ўрталик қоронғилашмоқда эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ҳамма жим туриб қулоқ солди. Ҳеч қандай овоз йўқ эди. Демак, ўрталик ҳали катта, кўп кунлар, балки ойлар қазишга тўғри келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўрталикда жой бормикан? Йўқ, ўртада жой йўқ.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ЎРТАМИЁНА Ўрта даражадаги; ўртача. *Ўртамиёна уй. Ўртамиёна хўжалик. Ўртамиёна асар.* ▬ *Мен ўртамиёна баҳоларни ёмон кўраман. Менга ё «беш», ё «икки» қўйинг!* Ф. Мусажонов, Ғамхўр. *Лоф бўлса ҳам, дадамнинг ишхонасини ўртамиёна кутубхона, деса бўлади.* Газетадан. *Зайнаблар ўртамиёна яшашарди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Аксинча, ўртамиёна актёр бўлсанг, режиссёрнинг олдига сен борасан.* Газетадан.

ЎРТАМОҚ 1 Ўт олмоқ; ёнмоқ, ёндирмоқ. *Уйларимиз ўртаб ёнарди, Иссиғига исинарди ёв..* Т. Тўла. *Халойиқ.. қизил аскарлар хонумонимизни ўртаб вайрон қилди..* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

2 *кўчма* Ниҳоят даражада қиздирмоқ; куйдирмоқ. *Қуёшдан оққан олов сели гавжум шаҳар кўчаларини ўртайди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 *кўчма* Руҳий алам-изтиробга солмоқ; куйдирмоқ. *Юракни ўртамоқ. Жонни ўртамоқ.* ▬ *Нега индамайсан, йиғлайсан, Юрак-бағрим ўртаб тиғлайсан.* Э. Раҳим. *Остингда юз алвон ўйнайди отинг, Душманни ўртайди шаъни-шавкатинг.* «Алпомиш». *Акромнинг қулоғига карнай-сурнай садоси чалинса, ҳеч қачон ушалмас орзуси алам бўлиб, вужудини ўртайди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЎРТАНЧА Ака-ука, опа-сингиллар (фарзандлар), шунингдек, куёв ёки келинлар ва ш.к. каторида энг каттасидан кейинги, энг кичигидан каттаси; ўртадагиси. *Энг каттаси — борса келарга, ўртанчаси — борса келмасга, кичиги — борса хатарга кетибди.* «Эртаклар». *Чала бино орқасидаги янги уйда мўйсафиднинг ўртанча ўғли яшайди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *..ўртанча қизи Ойша бегимни унаштириб қўйишган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Кампир у ёқ-бу ёққа кетганида, бу ишларни фақат ўртанча келинига ишонарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЎРТАПИШАР Мавсум ўрталарида пишадиган. *Ўртапишар олма. Ўртапишар пахта навлари.* ▬ *Ҳар меванинг ўз участкаси бор, ҳар бир участканинг ўз бўлимлари бор: эртапишар, ўртапишар, кечпишар.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ЎРТАЧА Ўрта даражага эга бўлган, ўрта даражадаги; юқори (ортиқ) ҳам, паст ҳам эмас. *Ўртача оғирликдаги тарвуз. Ўртача ҳарорат. Ўртача тезлик. Ўртача ривожланмоқ. Ўртача исимоқ.* ▬ *Қашқа жийрон устида малла чарм тўнли, тулки телпакли, ўртача жуссали бир кимса калта тақилган узангига оёқларини тираб ўтирарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўртача гўштли ишчи отлар келган-кетганларга парвосиз, анғиздан бош кўтармайдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Дала бизнинг боғчадан кенг, ҳавоси ёқимлироқ эди, ўртача эсаётган ёқимли шамол кишининг юзини сийпалаб, димоққа латиф хуш ҳидларни келтирарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ЎРТАҲОЛ *эск.* Яшаш, турмуш даражаси ўртача бўлган; бой эмас, лекин камбағалдан дурустроқ ҳаёт кечирувчи. *Орада яна камбағал, ўртаҳол.. деган гаплар келиб чиқади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Содиқ таранг ўзига тўқ ўртаҳол деҳқонлардан эди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЎРТОҚ 1 Ёши тенг ёки яқин бўлиб, ўзаро яхши алоқада бўлган тенгдошлар (бирбирига нисбатан); бирга ўсган; тенгдош, дўст, ошна. *Укамнинг ўртоғи. Қалин ўртоқ.* ▬ *Хайр, онажон! Менинг учун бувимни қучоқлаб қўйинг, ўртоқларимга салом айтинг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳатто тумсайиб ўтирган Асрора ҳам беихтиёр чапак чалар, ўртоғининг ҳусну латофатига маҳлиё эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шу хотиннинг ўртоғи бор эди. Яхши жонон..* Ойбек, Танланган асарлар. *Бугун стипендия олишгани учун икки*

ўртоқ қўлбола ош қилишмоқчи эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Дунёқараши, фаолияти, яшаш шароити ва ш.к. жиҳатидан бир, ғоявий жиҳатдан яқин киши; ҳамфикр, ҳамғоя. *Қудрат.. ҳокимнинг қон тўлиб кетган кўзларидан яширинмади, аксинча, ўртоқлари билан гузарда ярим кечагача жилмай ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эски ўртоқларингдан айрилгансан, янги ўртоқ орттиролмадинг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 *расм.* Кишиларга мурожаатда, одатда уларнинг фамилияси, касби, унвони ва ш. к. билдирувчи сўзга қўшиб ишлатилади. *Ўртоқ директор. Ўртоқ майор.* ▬ *Қани, ўртоқ бемор, оёқларингизни узатинг-чи.* С. Кароматов, Олтин қум. *Рўзимат саҳнадан чиқиб кетди-ю, ҳаял ўтмай залда пайдо бўлди ва Канизакнинг олдига келиб, қулоғига секин: -Ўртоқ Аҳмедов йўқлаётибдилар, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *с. т. айн.* **турмуш ўртоғи;** эр ёки хотин, рафиқ ёки рафиқа. *Ҳалимахон, ўртоғингиз қаерда ишлайдилар?* ▬ *Эркаклар ҳам рўзғор ишини яхши билиши, ўртоғига яқиндан ёрдам бериши керак.* Газетадан.

Турмуш ўртоғи *қ.* **турмуш**. *Ҳошимжон, биринчидан, жонажон дугонамнинг турмуш ўртоғи, иккинчидан, ўз акамдай кўраман уни.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

5 Бирор иш-фаолиятда бирга бўлувчи, бирор нарсани баҳам кўрувчи; шерик. *Ошга ўртоқ — бошга тўқмоқ.* Матал. ▬ *Дам бўламан олтин қуёш Ҳуснига ўртоқ. Дам тераман этак-этак Гуллар: пушти, оқ.* Ғайратий.

Ўртоқ бўлмоқ *айн.* **ўртоқлашмоқ.** *Ғирромликни билмайдиган ҳалол бола кўринади. Ўртоқ бўлсанг арзийди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЎРТОҚЛАШМОҚ 1 Ўртоқ бўлмоқ, ўртоқлик муносабатини тутмоқ. *Йўлчи улар билан содда ва очиқ кўнгил билан сўзлашиб, бирпасда апоқ-чапоқ ўртоқлашиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фақат икковларинг дўстлашиб, ўртоқлашиб кетишларингни хоҳлардим.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 *кўчма* Хурсандчилик, қайғу-ҳасрат ва ш. к. га шерик қилмоқ. *Ҳадичахон Аҳророва ҳам қурултой минбаридан туриб нутқ сўзлади. Вакиллар билан ўз тажрибасини ўртоқлашди.* Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва. *У ҳикоя жуда қизиқ бўлганидан ҳозиргача эсимдан чиқмаган ва уни нақл қилиб, китобхонлар билан ўртоқлашсам, зарар қилмаса керак.* С. Айний, Эсдаликлар.

ЎРТОҚЛИК Ўртоқчиликка хос муносабат; дўстлик; *Ҳожига тенг бўлмаса, Абулбарака билан ўртоқлиги бўлмаса.. Албатта, Таманнонинг илинжида елиб-югурадида!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Боболаримиз ҳам, «Кўрғон қурма, бойлик тўплама, дўст орттир», деганлар. Ҳақиқатан ҳам дўстликдан гўзалроқ, ўртоқликдан кучлироқ нарса йўқ оламда.* М. Салом, Кечирим.

Ўртоқлик учрашуви *спрт.* Расмий бўлмаган учрашув. *..Мойлисув шаҳрининг баскетболчилари наманганлик спортчилар билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар.* Газетадан.

ЎРТОҚЧИЛИК *айн.* **ўртоқлик.** [*Суннат:*] *Ахир дунёда ўртоқчилик, таниш-билишлик ҳам бор. Сенингча, ёлғиз муҳаббат бор-у, бошқа ҳеч нарса йўқ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЎР-ҚИР Рельеф шакли, ер юзаси нотекис, чуқурлик билан қирлар алмашиниб келадиган жойлар.

ЎСАЛ 1 Беморнинг ниҳоятда оғир, ҳеч нарсани билмайдиган ҳолати, тузалишига умид қолмаган оғир касал.

Ўсал бўлмоқ 1) оғирлашиб қолмоқ, ўлим олдида ётмоқ. *Кампир ўсал бўлиб қолибди.* ▬ *Бемор кундан-кун баттар бўлиб, охири ўсал бўлди.* А. Қаҳҳор, Бемор; 2) ўта хижолат бўлмоқ, шарманда бўлмоқ. *Ёлғончининг ўзи ўсал бўлди.* ▬ *У лом-мим дея олмади, ўсал бўлиб, ерга қаради.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар. **Ўсал тортмоқ** Ноқулай, хижолатли ҳолатда қолмоқ, қаттиқ хижолат бўлмоқ. *Оғир дашномлардан ўсал тортиб, сувга тушган мушукдай бўлиб ўтирган Силин бирдан сапчиб турди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Ўсал қилмоқ** Қаттиқ уялтирмоқ, шарманда қилмоқ. *Борса, ё уришиб берар, ё.. шоир бўлмаган бир сен қолган эдинг, яқинда ариза ва қарорлар ҳам шеър билан ёзиладиган бўлади! — деб кўпчилик ичида ўсал қилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ярамас, ёмон; бемаъни. *Ўсал ишни қилиб бўлган гуноҳкор. Ундайин фарзанднинг ўлмоғи даркор.* «Ширин билан Шакар». *Аҳмад ўсал бир кайфиятда ўрнидан турди, қўлёзмани олиб, хонадан чиқди.* Ф. Муса-

жонов, Ҳиммат. *Бегижон, бу ишинг ўсал бўлибди, Бойчиборни, билдим, қалмоқ минибди.* «Алпомиш».

ЎСАЛЛАШМОҚ Касали оғирлашмоқ, ўсал бўлиб қолмоқ. *Касал ўсаллашди.*

ЎСАЛЛИК 1 Касалнинг оғирлашган, ўлим олди ҳолати.

2 Уят, шармандалик.

ЎСИМ *эск. кам қўлл.* **1** Ўсиш, кўпайиш; ортиш.

2 Бирор мажбуриятни ўз вақтида тўламаганлик учун олинадиган жарима ёки фоиз ҳисобида қўшимча тўлов; пеня.

ЎСИМЛИК Ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган, анорганик моддаларни органик моддаларга айлантириш хусусиятига эга бўлган, одатда, бирор жойга ўрнашган ҳолда ривожланадиган организм. *Ёввойи ўсимлик. Маданий ўсимлик. Хонаки ўсимлик. Кўп йиллик ўсимлик.* ▬ *Гиёҳлар орасида кўкнор, наша каби заҳарли ўсимликлар борки, улардан истеъмол қилинганда, организм қаттиқ заҳарланади..* Газетадан. *Бодринг иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ЎСИМЛИКШУНОС Ўсимликшунослик билан шуғулланувчи мутахассис, олим.

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК Маданий ўсимликларни етиштириш усуллари ҳақидаги фан. *Ўсимликшунослик институти.*

ЎСИМТА Одам, ҳайвон ёки ўсимлик танасидан ўсиб, бўртиб ёки туртиб чиққан қисм. *Кўричак ўсимтаси. Муртак (чигит) ўсимтаси.* ▬ *Нерв тўқимаси нерв ҳужайраларидан, яъни нейронлардан ҳосил бўлади, нейронлар эса тана ва ўсимталардан иборат.* «Анатомия». *Қуён миячасининг биргина ҳужайрасида олтмиш мингдан кўп ўсимта бор.* Н. Ёқубов, Жон.

ЎСИШ 1 Ўсмоқ фл. ҳар. н. *Дарахтнинг ўсиши.*

2 *биол.* Ҳужайралар, шунингдек, ҳужайра бўлмаган тузилмалар сони ва массасининг ортиши ҳисобига организм ёки тана аъзолари ҳажми ва массасининг ошиб бориши.

3 *иқт.* Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар яратиш ҳажмининг олдинги йил (давр)ларга нисбатан кўпайган миқдорда такрорланиши.

ЎСИҚ Меъёрдагидан ортиқ ўсган, яхши ўсган. *Ўсиқ қош. Ўсиқ киприклар.* ▬ *Тўриқ яна бир кишнади-ю, ўсиқ ёлини тўзғитиб елганча кетди.* М. Осим, Ўтрор. *Ўсиқ ғўза туплари уни бўйнигача кўмиб юборган..* С. Анорбоев, Оқсой. *Фақат ўсиқ анжир буталарининг нари ёғида Маҳкам ҳар куни зарядка қиладиган пана жой ҳали сояга чўмиб ётарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЎСИҚЧА *айн.* **ўсимта.** *Кўричакдан ингичка чувалчангсимон ўсиқча чиққан бўлиб, унинг деворида жуда кўп лимфатик тугунчалар жойлашган.* «Физиология».

ЎСМА I **1** Узун чўзинчоқ тўқ яшил баргли, крестгуллилар оиласига мансуб икки йиллик ўтсимон ўсимлик. *Қиш бошланишида ҳамма ток кўмса, Маликахон ўсмасини кўмар, чиллада ҳам унинг ҳовлисида ўсма баҳордагидек кўкариб ётарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Шундай ўсимликнинг баргидан сиқиб олиниб, қош ва киприкларга қўйиш (суртиш) учун ишлатиладиган қора-яшил рангли суюқлик. *Унинг ҳозиргина қўйган ўсмаси чаккасига оқиб тушган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎСМА II *тиб.* Организмдаги ўзгарган ва ўзининг одатдаги шакли ҳамда вазифасини йўқотган ҳужайралардан иборат тўқималарнинг зўр бериб ўсиб кетиши. *Жигар ўсмаси. Мия ўсмаси.* ▬ *Тажрибалардан маълум бўлдики, кобранинг заҳари ҳатто рак ўсмасини ҳам ўсишдан тўхтата олар экан.* «Фан ва турмуш».

ЎСМАЛИ Ўсма қўйилган, ўсма суртилган. *Бегимхон ғўзадан бошини кўтариб, қуюқ ўсмали қошларини чимириб, бобиллаб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎСМИР Болаликдан балоғат ёшига ўтиш давридаги, 12-16 ёшдаги бола. *Атрофида — унинг латифаларига, қизиқ-қизиқ ҳангомаларига муштоқ бўлган беш-олтита ўсмирлар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаётган ўсмир алоҳида муомалага, кўпроқ эътиборга муҳтож бўлади.* Газетадан.

ЎСМИРЛИК Ўсмир ёшидаги давр. *Ўсмирлигимда у билан чираниб баҳслашиб эдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ЎСМОҚ 1 Ривожланиб бўйига ёки узунасига ўзини қўймоқ, чўзилмоқ, ривожланмоқ. *Бола яхши ўсди. Катта майдондаги ғўзалар барқ уриб ўсяпти.* ▬ *Бодом дарахти ер танламайди, тошлоқ, қумлоқ*

жойларда ҳам ўсаверади. Газетадан. *..жуда ўсиб кетибсиз-ку, Ойтўти, мана қаранг-а, менга етиб қолибсиз.* Ойдин, Фонарь тагида.

2 Кўкарган (ўсган) ҳолда бўлмоқ (дарахт, ўсимлик ҳақида). *Кўчамизнинг муюлишида ўсган сада тагига қўйилган каравотда икки кампир дам олиб ўтиришибди.* Газетадан. *Ясси қирга чиқиб қарасам, ҳақиқатан ҳам ялангликда катта садақайрағоч ўсиб турибди.* Газетадан.

3 Катта бўлмоқ, балоғатга етмоқ; улғаймоқ. *У туғилиб ўсган қишлоғининг ҳар бир деворига, таниш дарахтларда яшнаб турган кўм-кўк япроқларга суқ билан тикилиб борарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У [Аваз] чорвадор оилада ўсиб, мол сўйишларни кичиклигидан кўп кўрган эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Оҳ, она тупроғим, ўсган жойларим, Кўнглимда сақланар ҳурматинг, қадринг.* Миртемир.

4 Сон-миқдор, даража ва ш. к. жиҳати ортмоқ, кучаймоқ. *Ўтган йили жамият аъзоларининг сони бирмунча ўсди.* Газетадан. *Чорва комплекслари ва фермаларига техникавий хизмат кўрсатиш тобора ўсмоқда.* Газетадан.

Кўнгли ўсмоқ Кўнгли кўтарилмоқ, кўтаринки руҳга эга бўлмоқ, руҳланмоқ. *Аваз ўзининг чўпонлик қобилиятидан ғурур қилиб, кўнгли тоғдай ўсиб юрган пайтларини эслади.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎСМОҚЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **ўсмоқчиламоқ.**

ЎСМОҚЧИЛАМОҚ Ўзи билган ёки тахмин қилган нарсани янада суриштириб аниқлашга уринмоқ, шу мақсадда гап-сўз ташламоқ. *Пишиқ, сўзамол кампир.. келинларни ўсмоқчилаб гапга солар, эшитганларини дарров Қоратойга етказар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Қаёқда юрибсиз бемаҳалда? — худди эрининг «кирдикори»дан хабардор бўлгандай ўсмоқчилади Шакархон.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *У Муҳаррамдан кўп нарсани ўсмоқчилаб сўради.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ЎСПИРИН Балоғат ёшига етмаган ёш йигит. *Бу йигитни танийман кўпдан, Самарқандда ўсган ўспирин.* Ё. Мирзо. *Бундан саккиз йил аввал, у [Ўроз] ўн етти яшар ўспирин экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана, ўғлим лаби устида Қалдирғочнинг майин қаноти. Ўспириним тоза кўксида Кунда ошар янги ҳис тоти.* Зулфия.

ЎСПИРИНЛИК 1 Ўспирин ёшидаги давр; ёшлик. *Ўспиринлик йилларим.* ▬ *Энди болалик бўстонидан ҳатлаб ўтиб, ўспиринлик даврига қадам қўйгансиз, ҳаёт учун керакли касб-ҳунар орттириш лозим.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Ўспиринга хос ҳолат, хислат. *Шунинг учун Ҳайдар чўққи саксонда Ўспиринлик даъво қилса ҳаққи бор.* Ғ. Ғулом.

ЎСУВЧАН Тез ўсадиган. *Ўсувчан бута.*

ЎСУВЧАНЛИК Яхши, тез ўсиш белгиси, хусусияти.

ЎТ I **1** Ёниш жараёни; олов, оташ. *Ер тўйдирар, ўт куйдирар.* Мақол. *Ерга тушган гул бўлур, Ўтга тушган кул бўлур.* Мақол. ▬ *Бу орада майдончада ўт ловуллади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ўтнинг ҳарорати Эргашевнинг юзини қиздириб, бурқиб чиқаётган тутун эса нафасини бўғар эди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Ҳовли ўртасидаги бир бузоқ билан икки қўй гўшти солинган дошқозон тагида ҳамон ўт ёнар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Икки ўт орасида (*ёки* **ўртасида) қолмоқ** Бирини деб, бошқасидан кечиб бўламайдиган, кечиш қийин ҳолатга тушмоқ. *Бобур ўзини икки ўт орасида қолгандай сезди. Беклару навкарларнинг кўнглига қарай деса, бу ёқда раият очарчиликдан ўляпти. Раиятни очлик чангалидан қутқазай деса, беклар, навкарлар дод солади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Аъзам икки ўт орасида эди: ё чиройли хотину ўзинг учун ўл етимлик ёки чиллак оёқ совуқ хотину обрўй ва амал.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Тўқайга** (*ёки* **ўрмонга) ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади** Кўпчиликка тегишли бир иш, ҳодиса ҳеч кимни четлаб ўтмайди, деган маънода қўлланувчи ибора. *Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнганидай, димоғдор, одамлардан жирканиб, ўзини улуғ тутадиган бек анчадан буён кишилар ғазабини қўзғаб, тоқатини тоқ қилиб келарди..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнар экан.. Ҳозир ҳам шундай бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Ўзини ўтга, сувга урмоқ** Бирор мақсад йўлида ҳар қандай, ҳатто бир-бирига зид ишга ҳам қўл урмоқ. *Ўзини ўтга урди, сувга урди, ишқилиб, участка тақсимловчи техник бўлиб олди.* «Муштум». **Ўт билан сувдек** Бир-бирига қарама-қарши муносабатли. *Илга-*

рилари ўт билан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ўт қўймоқ** Ёндирмоқ, ёқмоқ. *Ўзбек ойим ҳашарчи хотиндан бирига тандирга ўт қўйишни буюрди-да, ўзи Зайнабнинг олдига келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тоҳирнинг мўлжали қирқ-эллик қадам ичкарироққа бориб, кўприкнинг ўртасидан ўт қўйиш эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Аланга, ёлқин. *Сойнинг у бетидаги тоғларда соққадек-соққадек ўт ялтирарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Шу он унинг ўнг томонидаги тепаликда ялт этиб ўт кўринди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген.

3 Оловнинг алангаси сўнган (тўхтаган) ҳолати; чўғ. *Танчага ўт солмоқ.* ▬ *Ўчоқдаги ўтни аста-секин кул босди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Куёшнинг ўт яллиғи каби қаттиқ қиздирадиган, куйдирадиган ҳолати; тафт. *Айни туш чоғи-ку, келинойижон, Куёш ўз ўтидан беҳол бўлган пайт.* Қ. Раҳимбекова, Юрагимда кўрганларим.

5 *кўчма* Киши руҳиятидаги, қалбидаги аланга, олов каби «ёнувчи» («ёндирувчи»), «куйдирадиган» ҳолат; «олов». *Ишқ ўти. Ҳижрон ўти.* ▬ *..кўзларида ғазаб, нафрат ўтлари чақнаган аёлнинг сурати туширилган плакатлар ёпиштирилган.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *У жаҳл ўтида ёниб, «Сендай тоғам йўқ», дея қичқиради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *У кишилар қалбида ғайрат ўтини ёқа олади.* Газетадан. *Кайхусравнинг ўлганини билиб, эронийларнинг руҳи тушиб кетди, уларнинг ғалабага бўлган ишончларига путур етиб, юракдаги ўтлари сўна бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Бу ўт [интиқом ўти] оғирни енгил, узоқни яқин қилади; пўлатни эритади, ўлимга даҳшат солади. Аҳмаджон кўрган ҳамма жангчининг қалбида мана шундай ўт ёнар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Юрагига ўт ёқмоқ Бирор нарсага завқ-иштиёқ, интилиш ҳиссини қўзғатмоқ, уйғотмоқ. *Аммо ҳеч бири юрагида нотаниш қиз ёқиб кетган ўтни пасайтира олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Водийнинг манман деган раислари юрагига ўт ёққан киши – Полвон ака Қозоқов бўлади.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Ўт олмоқ** Алангаланмоқ, алангаланиб кучаймоқ. *Унинг Ўрмонжонга қарши юрагидаги адовати ўт ола борди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Араббойнинг ётоқхонага кириб кетаётганини кўргач, кўнглида ҳозиргина бир оз сусайган норозилик янгидан ўт олади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 *кўчма* Киши қалби (руҳи)даги жўшқин ҳолат; жўшқинлик, ҳарорат. *Ғуломжон энди ўзини анча тутиб олиб, ўт билан, ҳарорат билан гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 *кўчма* Қалбида шундай ўти бор; ўтли. *Ҳой, ўт йигит, ҳалиги сўзларинг олтинга арзийди, аммо ҳар кимга сўзлайверма.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 Отиш қуролларидан ялпи, тўхтовсиз узилган ўқлар. *Душманнинг ўтидан бир-икки қайиққа шикаст етди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Тепалик ҳар хил турдаги тўплар, миномётлар, пулемётлар ўти остида қаттиқ ҳимоя қилиб турилибди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

9 *махс.* Электр заряди.

Ўт бермоқ *ёки* **ўт олдирмоқ** Зарядламоқ, зарядлаб ишлатмоқ. *У дарҳол мотоцикл моторига ўт бериб.. сув ҳовузи томон шамолдай учиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бозор Ҳамроевич машина моторини ўт олдирди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ЎТ II Пояси ёғочланмайдиган, чорва моллари учун асосий озуқа бўладиган яшил ўсимлик; алаф. *Ёввойи ўтлар. Доривор ўтлар. Чорвабоп ўтлар. Сув ўтлари.* ▬ *Барра ўтларга хўп тўй, Ҳеч ким бермайди халал.* И. Муслим. [*Ҳулкарнинг*] *Қадди-қомати нозик кўринса ҳам, ўзи йигитлардай запт билан ўт ўрар.. эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Қўйлар ўтдан бошини кўтармайди.* О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши.

ЎТ III Жигардан ажралиб чиқувчи сарғиш-яшил рангли аччиқ суюқлик. *Кимгадир ёввойи эчкининг терисими, айиқнинг ўтими керак экан.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

Ўт пуфаги Жигарнинг пастки юзасидаги махсус чуқурчада жойлашган, ҳажми 50-60 $см^3$, шакли нокка ўхшаш пуфакча (унда ортиқча ўт сақланади). **Ўти ёрилмоқ** *айн.* **ўтакаси ёрилмоқ** *қ.* **ўтака.**

ЎТА 1 Ўтмоқ фл. рвдш. *Мудҳиш жанглар кўз олдидан ўта бошлади. Жарликдан ўта олмади.*

2 Белгининг ортиқ даражасини билдиради; ниҳоят, ғоят, жуда. *Ўта айёр. Ўта*

доно. Ўта золим. Ўта иссиқ. Ўта сахий. Ўта совуқ. Ўта қисқа. Ўта қизитилган. ▬ *Ижрочининг серифода кўзлари, ярашиб тушган ҳаракатлари, қилиқлари ўта табиийлиги билан ҳаммага маъқул эди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. *Олимжон ана шу қадрдон ерларни неча ойлаб кўрмай, ўта соғинган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Активацион таҳлил усулида тоза ва ўта тоза металлар олиш учун улардаги аралашма элементларнинг миқдорлари аниқланмоқда.* «Фан ва турмуш».

ЎТАКА: ўтакаси ёрилмоқ Ниҳоятда қўрқмоқ. *Онасининг маънодор қарашларидан бир нима уққандай, Раҳимнинг ўтакаси ёрилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Майна наганни ёнига суқди.. Ўтакаси ёрилаёзган Нарзи тоға кўзларини юмганича, қимир этмай эшакда ўтирар эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЎТАКЕТГАН Белгининг ниҳоят ортиқ даражасини билдиради (асосан салбий маъноли сўзлар билан қўлланади). *Ўтакетган жоҳил. Ўтакетган аҳмоқ. Ўтакетган ғирром.* ▬ *Мана, бир вақтлар мактаб учун ўзининг меҳмонхонасини инъом қилган Турдибой халфа билан ўтакетган мунофиқ Олахўжа махсум ҳам аста тебранишиб, томошага келишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Даф бўлгандан кейин унинг ўтакетган хотинбоз эканлиги аниқланди.* «Муштум».

ЎТАМОҚ I Бегона ўтларни юлиб ташламоқ, ўтоқ қилмоқ. [*Бувим*] *Томорқада сабзи-пиёз ўтайди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Чўлқуварлар ёз бўйи ғўзанинг ичидан чиқишмади, чопиқ қилишди, ўташди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЎТАМОҚ II **1** Адо этмоқ, бажармоқ. *Директорлик вазифасини ўтамоқ.* ▬ *Ота билан акаси унинг бу истагини ҳам ўтамай қўйишмади.* «Муштум». *Дўстликнинг негизи садоқат ва самимиятдир. Содиқ одам бурчини виждони билан ўтайди.* М. Алавия, Болаларимнинг отаси.

2 Бирор вазифа, жазо ва ш. к. муддатини тугатмоқ. *Қамоқ муддатини ўтамоқ.* ▬ *Саттор армия сафида хизмат муддатини ўтаб қайтди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Алимжон шогирдлик муддатини ўтаганича йўқ.* Газетадан.

3 Бирор нарсага хос вазифани бажармоқ, шу вазифада қўлланмоқ, фойдаланилмоқ. *..чойхона ҳали бу ерга кўчмаган, бино ҳозирча клуб вазифасини ўтаб турарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Султоновнинг икки капаси бор эди: биттасида тунашса, иккинчиси ошхона вазифасини ўтарди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЎТАР I **Ўтмоқ 1** фл. сфдш. *Дарё ўтар — тош қолар, Ўсма кетар — қош қолар.* Мақол.

Ўзингиздан ўтар (*ёки* **қолар**) **гап йўқ** «Ҳаммасини ўзингиз биласиз, ўргатадиган жойи йўқ» маъносидаги ибора. *Ўзингиздан ўтар гап йўқ, тоға. Кўз узоқ бўлгани билан кўнгил яқин..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎТАР II *с. т. айн.* **отар** II. *Яйловга ёйилганда ҳам, қўрага қайтишда ҳам ўтарни ўз майлига қўйиш керак.* «Ёшлик».

ЎТГАН 1 Ўтмоқ I фл. сфдш. *Ўтган ишга ўкинма!* Мақол. ▬ *У* [*деҳқон*] *таг-томири билан туғилган ҳовлисига боғланган, бу ҳовли ота-бобоси ўтган муқаддас жойдир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бундан аввалги (вақт ҳақида). *Ўтган йил. Ўтган ҳафта. Ўтган асрнинг 60-йиллари.* ▬ *Мана, ўтган ойда 30 тонна материал ўрнига 7 тонна бердингиз.* «Муштум».

Ўтган кун(и) Кечадан аввалги кун. *Бу ўринни ўтган кун кечаси келиб кўриб кетгани учун қайтадан қараб турмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўтган куни отланиб, Андижонга кетган мулла Фазлиддин бугун.. Қувага қайтди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЎТЗОР Ўт-алаф билан қопланган ер, ўтлар ўсиб турган майдон; ўтлоқ. *Ўтзорга ёйилган пода. Ўтзорда пичан тайёрламоқ.* ▬ *Ўтзорлар ичидан жонажон қишлоқ яққол кўриниб турибди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЎТИМЛИ: ўтимли феъл *тлш.* Тушум келишигидаги сўзларни бошқарадиган феъл, мас. *китобни ўқиди, уни танийман.*

ЎТИМСИЗ: ўтимсиз феъл *тлш.* Тушум келишигидан бошқа келишикдаги сўзларни бошқарадиган феъл, мас. *мактабдан келди. мактабга борди.*

ЎТИН Ёқиш учун ишлатиладиган ёғоч, тахта, поя, шох ва ш. к. *Ҳўл ўтин. Ўрик ўтин. Саржин ўтин. Хашак ўтин. Ўтин термоқ. Ўтин ёрмоқ. Тандирга ўтин қаламоқ.* ▬ *Саратон кўрган ўтин шатирлаб ёна бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёқай десам, ҳўл ўтин, Буралиб чиқар тутун.* «Қўшиқлар».

Ўтин бўлмоқ *с. т.* Путурдан кетмоқ, ярoқсиз ҳолга келмоқ (асосан аёл киши ҳақида). *-Ҳузур, ҳузур сеники-да, Меҳриниса, — деди Иқбол сатанг. -Қўйинг, опа, шу гапларни. Хотин киши ўттиздан ошди — ўтин бўлади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Сен кўрпада ҳам ғўзани ўйлайсан. Ўттизга кирибоқ, ўтин бўлиб қолдингми?* И. Раҳим, Ихлос.

ЎТИНКАШ *айн.* **ўтинчи.** *Шароф ўтинкашни худойи ошга ҳам йўлатмайдилар.* С. Айний, Қуллар.

ЎТИНКАШЛИК Ўтин териш иши. *Қиш бўйи ўтинкашлик қилиб йиққан бир пуд-ярим пуд буғдой, арпа, жўхори, тариқ каби ғаллаларимизни супуриб, сийириб олиб кетдилар.* С. Айний, Қуллар.

ЎТИНМОҚ 1 Ёлвориб, илтижо билан илтимос қилмоқ; сўрамоқ. *Ҳаммасини бажо келтираман, фақат мени ўлдирманг, ўтинаман.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *-Йўқ, йўқ, синглим, — ялинди Раҳим Саидов. — Ўтинаман, ҳозир беринг, жуда зарур.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Афв этишни, кечиришни илтимос қилмоқ. *У пичоқни ташлаб, бир қўлини кўксига қўйиб ўтинди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎТИНФУРУШ Ўтин сотувчи. *Қамбар деган ўтинфуруш чол.. мой, биринч сотиб, баққоллик қилиб ўтирар эди.* «Эрали ва Шерали».

ЎТИНХОНА Ўтин-кўмир сақланадиган усти ёпиқ жой; хона. *Ўтинхона энди саранжом эди. Фақат бир бурчакда тўкилган писта кўмирнинг тагидан шиббаланган тупроқ кўриниб турарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЎТИНЧ Қаттиқ илтимос. [*Ҳомид:*] *Жанобларидан ожизона ўтинчим шулки, бу сирни сизларга билдиргувчи мен бўлганлигимни ўзларидан бошқа кимса билмасин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўтинчим бор, халоскор жангчи: Эсдаликка бир нима қолдир!* Ё. Мирзо.

ЎТИНЧИ Ўтин тайёрлаб сотиш билан шуғулланадиган шахс. *Ўтинчи чол. Отаси ўтинчи эди.* ▬ *Бир ўтинчи меҳнаткашман, билсанглар. Меҳнат қилиб, ўз кунимни кўрганман.* «Муродхон».

ЎТИРГИЧ, ўтирғич Ўтириш учун мосланган нарса (стол, курси, скамейка ва ш. к.). *Вагон олдидаги қоровулнинг бош суяги пачақланиб, ўтиргич ёнида чўзилганди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *У тирсагимдан тутиб, балиқхонасига етаклади. Қозондан олисроқдаги учун ўтиргичга чўкдик.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бир лаҳзадан кейин ён томондаги ўтирғичга таклиф қилди.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ЎТИРИК *қ.* **ўтрук.** *Ў, болам, ростми, ўтирикми, Гўрўғлибек мажлисда ўтирганида айтар эди..* «Хушкелди». *Мана, қиблага қараб айтаман: агар ўтирик айтсам, кўр бўлайин.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Етти, десам ўтирик бўлар, лекин олти пуштимни яхши биламан.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЎТИРИКЧИ *қ.* **ўтрукчи.** *Ўғлим ё ўтирикчи, ё ўзим ҳеч балони тушунмайман.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ЎТИРИШ 1 Ўтирмоқ фл. ҳар. н. *Ерда ўтириш. Стулда ўтириш.*

2 Яқин кишилар, дўстлар ўртасида ташкил қилинадиган суҳбат; меҳмондорчилик, зиёфат. *Яйлов билан қўйдан бошқа нарсани ҳам кўрмаган чўпонлар дилкаш ўтиришларга, шаҳарлик меҳмонларнинг суҳбатига жуда иштиёқманд эдилар.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Ўтириш жуда қизиқ, жуда хушчақчақ, базм жуда қийқириқли бўлишини билиб.. саман йўрғани эгарлатиб қўйган эди у.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз шу ердалигингизда кичкинагина ўтириш қиламиз.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

Бир ўтиришда Бир тамадди давомида. *Унинг бир ўтиришда 7 та товуқ гўштини паққос туширганини ўз кўзимиз билан кўрганмиз.* «Муштум».

ЎТИРМОҚ 1 Кетни бирор жойга қўйиб, бирор жойни ишғол этиб ўринлашмоқ; чўкмоқ. *Чордана қуриб ўтирмоқ. Чўкка тушиб ўтирмоқ. Оёқ узатиб ўтирмоқ. Диванда ўтирмоқ. Кўрпачада ўтирмоқ. Стулда ўтирмоқ.* ▬ *Бу ҳолдан аччиғланган Қаюм ёнимга келиб ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гулнор дераза остига кўрпача солиб, қизни ўтқазди ва ўзи яқин ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Асосан шундай (ўтирган) ҳолда бирор жой, маконда бўлмоқ. *Чойхонада узоқ ўтирмоқ.* ▬ *Саодатхон олдинги қаторда ўтирган Лолахонга қаради.* С. Зуннунова, Янги директор. *Йўлчи бу ерда икки соат қадар ўтириб, юкка илинмагач, бозор айланиш учун туриб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўтириб бажариладиган бирор ишга уннамоқ, шу ишни бажарадиган вазиятни эгалламоқ. *Фотиҳадан сўнг ҳар ким ўз ишига ўтирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Офтоб ойим Тўйбекани меҳмонхонага буюрди ва ўзи хамир қилишга ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Файзулла ўзига хос мулойимлик билан кулиб, аста бош силкиди-ю, рулга ўтирди.* Газетадан.

4 Транспорт воситасига тушмоқ, чиқмоқ; минмоқ. *Самолётга ўтирмоқ. Трамвайга ўтирмоқ.* ▬ *Кеча у* [*Абдишукур*] *хўжайини билан извошга ўтириб, бу ерга меҳмон бўлиб келган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биринчи аравага Меъмор оила аъзолари билан чиқиб, иккинчи ва учинчи араваларга Зулфиқор, Заврак, Ғаввослар ўтириши керак эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 *с. т.* Бирор лавозимни эгалламоқ, ..бўлиб ишламоқ, тайинланмоқ. *У ректор бўлиб ўтирибди. У раислик лавозимига ўтирди.* ▬ *Хон икки маротаба тахтдан ҳайдалиб.. учинчи мартаба тахтга ўтириши рус истибдодининг Тошкентни олиб, Хўжандга қўл узатган саналарига тўғри келган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

6 *с. т.* Бирор жойда маълум вақт бўлмоқ; турмоқ, яшамоқ. *Узоқ йиллар уларга қўшни бўлиб ўтирдик.* ▬ *Сартарошлик ёмон касб эмас. Оппоқ халатларни кийиб.. озода хонада ўтирасан..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Нури бундай гапларни бепарволик билан эшитишга уриниб боқарди: «Аяжонимнинг бағрида ўтирибман-да, шошмасалар ҳам бўлар эди».* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Жазо муддатини ўтамоқ. *Турмада ўтирмоқ. Қамоқда ўтирмоқ. Зиндонда ўтирмоқ.* ▬ *Шўхлиги бошига етиб, бир-икки йил ўтириб ҳам чиқибди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Ғаразли манфаат, нафс балоси йўлида орттирган ҳамтовоқларининг йўриғига юрган Содирнинг иккинчи, учинчи, тўртинчи марта ўтириб чиқишига тўғри келди.* Газетадан.

8 Инмоқ, ёпишмоқ, ўрнамоқ. *Китобларга чанг ўтирибди. Қиш келди-ю, новдаларга ўтирди қиров.* ▬ *Йигитнинг узоққина йўлдан келганлиги унинг киприк ва қошларига, ҳам эндигина чиқа бошлаган соқол-муртларига ўтирган тўзонлардан белгили эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Иссиқ куннинг ўтли ҳароратини пасайтириб, тоғ шабадаси эсиб турар, ҳар томондан атиргул, райҳон, жамбилларнинг ёқимли ислари димоққа ўтирарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

9 *с. т.* Мос бўлиб тушмоқ; ярашмоқ. *Бу костюм сизга жуда ўтирди.* ▬ *Оёғидаги қизил сахтиён этиги ўзига жуда ўтирган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Зуҳра Каримовнанинг.. кўйлаги ўзига жуда ўтирган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

10 Хуш келмоқ, ёқмоқ. *Инспектор Ориф Саидов унинг* [*Очиловнинг*] *дидига ўтирмай қолган.* А. Муҳиддин, Ҳадя. *Кеча мажлисда жияним тўғрисидаги ўтиб кетган гапни пардозлаганингиз менга унча ўтирмади.* «Муштум».

11 Тараққиёт юз бермай, паст, қуйи даражада тўхтаб қолмоқ. *Уруш туфайли колхозимиз анча ўтириб қолган экан, шундай бўлиши ҳам табиий..* Н. Сафаров, Оловли излар.

Ўтириб қолган *с. т.* Турмушга чиқмай, ёши анча ўтиб қолган. *Ўтириб қолган қиз.*

12 *кўм. фл. взф.* Етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, маъқул кўрилмаслиги каби маъноларни билдиради. *Чой дамлаб, кутиб ўтирибман. Кап-катта бола чойнакни синдириб ўтирибди-я! Арзимаган гапга аразлаб ўтирибсанми?* ▬ *Қассоб лабини бурди: -Бе! Биз нимани тушунамиз. Тушунсак, сиздан сўраб ўтирармидик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Бу киши ҳидлаб ўтирмайди, тўғри ейди-қўяди, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Менинг уйим сизнинг ҳам уйингиз. Айттириб юборишимни кутиб ўтирмай, бор-йўғимда ҳам келиб туринг.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЎТКАЗГИЧ *физ.* Ўзидан иссиқлик, тебраниш, электр оқими ва ш. к. ни яхши ўтказадиган модда. *Ярим ўтказгич. Электр ўтказгич.* ▬ *Радиоактив нурланиш ҳавони ионлаштиради, уни электр ўтказгич қилади.* «Қизиқарли геохимия».

ЎТКАЗМОҚ 1 Ўтмоқ фл. орт. н. *Машинани кўприкдан ўтказмоқ. Унни элакдан ўтказмоқ. Металл электрни ва иссиқликни яхши ўтказади. Мажлис ўтказмоқ. Вақтни иш билан ўтказмоқ. Ўз номига ўтказмоқ. Хаёлидан ўтказмоқ. Тўйни ўтказмоқ. Алам ўтказмоқ.*

2 Экмоқ (кўчат, қаламча ҳақида). *Кўчат ўтказиб, боғ қилиш — улуғ савоб..* Газетадан. *Бири ариқ қазир, ер ҳайдар, Бири гул ўтказар боғига.* Ҳ. Олимжон.

3 Ўтирғизмоқ, чўктирмоқ. *Бектемир ўз олдига Зинани ўтказди. Ўзи ҳам чордана қурди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Юсуфбек ҳожи.. кундош ораси бузилиб, ўртадан сўз чиққанини эшитса, иккала келинни ўз олдига чақиртириб, уларни қатор ўтказар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Баъзи сўзлар билан бирикиб, шу сўз билдирган иш-амални амалга оширмоқ, олиб бормоқ, қилмоқ маъносини билдиради. *Машғулот ўтказмоқ. Шанбалик ўтказмоқ. Мажлис ўтказмоқ. Тажриба ўтказмоқ.* ▬ *Уруш ветеранлари йиғилишиб, кенгаш ўтказиб, Хуррамовни ўз кенгашларининг раиси қилиб сайладилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

Бурнидан ип (*ёки* **сим**) **ўтказиб олмоқ** *қ.* **бурун** I. **Қиличдан ўтказмоқ** *қ.* **қилич 1.**

ЎТКАЗУВЧАН *физ.* Ўзидан иссиқлик, тебраниш, электр оқими ва ш.к. ни яхши ўтказадиган ва чиқарадиган.

ЎТКАЗУВЧАНЛИК Жисмнинг тебраниш, иссиқлик, электр оқими ва ш.к. ни ўтказиш қобилияти. *Жисмнинг товуш ўтказувчанлиги.* ▬ *Қолаверса, янги материалнинг юқори ҳароратларда ўта ўтказувчанлик хусусиятига эгалиги техника ва саноат учун муҳим аҳамият касб этади.* «Фан ва турмуш».

ЎТКАРМОҚ *эск. айн.* **ўтказмоқ.** *Э, синглим, на савдоларни кўрдинг, на ишларни бошингдан ўткардинг.* «Эрали ва Шерали».

ЎТКИЗМОҚ *қ.* **ўтказмоқ.**

ЎТКИНЧИ 1 Ўтиб бораётган, ўтиб борувчи; йўловчи. *Йўлда битта-яримта ўткинчи учраб туради.* Ойбек, Болалик. *Низомжон.. тонг ёриши билан Олтиариқ йўлига чиқди-ю, ўткинчи машинага қўл кўтарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Тезда ўтиб кетадиган, оз фурсат ичида йўқ бўладиган, вақтинчалик. *Ўткинчи ҳавас.* ▬ *Ҳозиргина тинган ўткинчи ёмғир кундузи тинимсиз ҳаракатдан кўтарилган чангни босган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Кишининг ташидаги ғазаб ўткинчи бўлади, юрагидаги нафрат эса даҳшатли ва мудҳиш бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЎТКИР 1 Яхши кесадиган; кескир. *Ўткир қайчи. Ўткир устара. Ўткир пичоқ.* ▬ *Али тажангнинг кўзлари яна ўйнаб кетди. Қани, қўлида ўткир болтаси бўлса-ю, энг адил бир дарахтни кесиб, елкага олиб жўнаса!* Ойбек, Қуёш қораймас. *Муталнинг биринчи ҳаракати бўшга кетди-да, чап биқинига ўткир ханжар ғарчча ботирилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Учи найзаланган; учли. *Ўткир бигиз. Ўткир найза. Ўткир учли қалам.*

3 Таъм билиш, ҳидлаш, эшитиш ва б. сезги аъзоларига кучли таъсир этадиган, кучли. *Ўткир овоз. Тузи ўткир овқат. Қуёшнинг ўткир нури куйдирмоқда.* ▬ *Бу ариқчалар бўйида ўткир ҳидли қорамтир ялпизлар.. ўсган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Аччиқ, ўткир тамакидан боши гир айланиб, кўзлари ёшланди-да, йўтала-йўтала юриб кетди.* Ойбек, Нур қидириб. *Оч қорнига тушган ўткир май виз эттириб, меъдани қайнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *кўчма* Руҳий ва б. жиҳатдан таъсир даражаси, кучи юқори; кучли. *Ўткир асар.* ▬ *Ўткир ҳажвий кулги билан суғорилган бу гаплар..* «ЎТА». *Шариф Ризаев ўзининг ўткир, танқидий, ҳужумкор мақолаларида эскилик сарқитларини.. аёвсиз танқид қилди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

5 Қобилиятли, имконияти юқори даражали. *Ақли ўткир. Зеҳни ўткир.* ▬ *Гиламларга ўзгача жозиба бағишлаган қизларнинг чевар қўллари, ўткир кўзлари, нозик дидлари..* «Саодат». *Низомиддиновнинг қулоғи ўткир эди. Теварак атрофни бутун вужудини қулоқ қилиб эшитар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

6 Касб-ҳунар, билим ва ш.к. да юқори даражага эга бўлган, юқори савияли; кучли. *Юсуфжон ака Фарғона водийсининг энг ўткир ўйинчи устозларидан кўп рақсларни ўрганган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ботирали тўқай оралаб борар экан, гарчанд ўзи ўткир овчи бўлса ҳам, ана шундай ов гаштини ўйламади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. -*Бу мастеровойларинг жуда ўткир халқ бўлар экан-да? — деди чол.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Ўткир (эркаклар исми).

ЎТКИРЛАМОҚ Чархлаб, қайраб, яхши кесадиган қилмоқ; ўткир қилмоқ. *Саховатли, одил ва дилкаш темирчи унинг дурадгорлик асбоб-ускуналарини ясаб ёки ўткирлаб берарди, ҳақ сўрамасди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЎТКИРЛАШМОҚ 1 Яхши кесадиган ёки яхши ўтадиган ҳолга келмоқ; ўткир

бўлмоқ. *Пичоқ ўткирлашди. Бигиз ўткирлашди.*

2 Даражаси ортмоқ, кучаймоқ. *Аччиқ аёз кўрсатар кучин, Ўткирлашди совуқнинг қаҳри.* Д. Файзий. *Гўё зеҳни боягидан ҳам ўткирлашиб, тили бийронлашиб кетгандай, шўх, кулги гаплар* [*Мирзанинг*] *хаёлига ўзидан-ўзи қуйилиб келарди.* О. Ёқубов, Мирзатерак. *..истеҳзо-кесатиқ, заҳарханда ўткирлашган сайин юмор ҳажвга яқинлашади.* «ЎТА».

ЎТКИРЛИК Ўткир ҳолат, ўткир эканлик. *Пичоқнинг ўткирлиги. Овознинг ўткирлиги. Зеҳннинг ўткирлиги.* ▬ *Ўзбек ойимнинг ўткирлиги эрлар томонидан ҳам тасдиқ этилганлигини иқрор қилишга тўғри келади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎТЛАМОҚ 1 Ўсиб ётган ўт-кўкатдан емоқ (ҳайвон ҳақида). *Анҳор ёқасидаги толлар орасида иккита оқ эчки ўтлаб юради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Узоқда, тоғ ёнбағирларида, беҳисоб қоракўл қўйлари ўтлайди.* Мирмуҳсин, Ҳамзаободда.

2 *кўчма* Мавзуга оид бўлмаган, керакли-кераксиз, оғзига келган гапларни гапирмоқ. *Майли энди, қўйинг, ота. Кўпам гапни чўзманг, ўтлаб кетдингиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Хўш, кинани ташлаган бўлсангиз.. нега уларнинг олдида оғизга келганини ўтлādингиз?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎТЛИ I **1** Ёниб, нур сочиб турадиган. *Булутларга ўраган Қуёш ўтли юзини.* Ғайратий. *Узоқда қоп-қорайиб, ярим осмонни тўсиб турган адирнинг устида, уфқда ўтли из қолдириб, юлдузлар учади.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 *кўчма* Олов пуркайдиган; оловли. *Жўрахон хотирасини ўтли фронт йўлларида жанг қилган командирлари ва жангчи дўстлари ҳам унутганлари йўқ.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 *кўчма* Зўр ҳароратли; қайноқ. *Иссиқ қучоқ, ўтли бўсадан Томирингда жўш урганда қон..* Уйғун. *..боя шу эшик ойнасидан изтироб билан қараганини эслаб, баданига ўтли ҳаяжон югурди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Олимжоннинг ўтли нафаси Ойқизнинг юзини иситарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *кўчма* Ғайрат-шижоатли, юрагида ўти бор. *Ўтли йигит.* ▬ *Айниқса.. Ҳасан Раҳмат ажойиб ўтли бир ёшдир.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЎТЛИ II Ўт, кўкат билан қопланган. *Ўтли далалар. Ўтли соҳил.*

ЎТЛИ-ШУДЛИ Серҳаракат ва меҳнатсевар, тиниб-тинчимас; уддали. *Башорат.. ўтли-шудли хотин экан, ўзини эплаб кетади.* С. Аҳмад, Муллажон. *Баъзи ўтли-шудли студентлар уни «писмиқ» дейишарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Раисимиз ўтли-шудли одамга ўхшайди, нафасини ростламай, иш бошлаб юборди.* «Муштум».

ЎТЛОВ *айн.* **ўтлоқ.** *Қўрада бандилардан бошқа жонзот қолмаган, қўйлар ўтловга ҳайдалган эдилар.* С. Айний, Қуллар.

ЎТЛОҚ Ўт-алаф ўсиб ётган, чорва ўтлатиладиган жой, дала. *У* [*Бўронбек*] *кўчадаги, гузардаги одамларга кўринишга ҳам журъат қилолмай, йўлни чўрт кесиб ўтдида, далага чиқиб, ўтлоқ оралаб кетган сўқмоқдан борди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Элмурод мол боқиш учун ўтлоқ қидириб, кун сайин узоқроққа кетиб қолар.. эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎТМАС Яхши кесмайдиган, дами қайтган, ўтмайдиган. *Ўтмас пичоқ қўл кесар.* Мақол. ▬ *Унинг* [*Сотволдининг*] *юзи қаттиқ, серқирра тошларга узоқ вақт ишқаланган ёки қандайдир ўтмас теша билан йўнилганга ўхшарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ақли (*ёки* **зеҳни, фикри**) **ўтмас** Дарров англаб, тушуниб етолмайдиган; анқов, қовоқбош. **Ўтмас мол** Биров сотиб олмайдиган, сотилмай қолган, паст сифатли буюм ёки нарса.

ЎТМАСЛАНМОҚ *қ.* **ўтмаслашмоқ.**

ЎТМАСЛАШМОҚ Ўтмас бўлиб қолмоқ (**ўтмас** тўғри ва кўчма маънода) *Пичоқ ўтмаслашди.* ▬ *Инсон курашмоғи керак. Акс ҳолда, ақл-заковати йиллар ўтиши билан ўтмаслашади, завол топади.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Энди унинг хаёли паришон, нигоҳлари ўтмаслашган эди.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ЎТМИШ 1 Киши, халқ ҳаётининг ўтган қисми, шу ўтган давридаги ҳаёти. *Мен ёшликдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим.. қишлоғимизда мактаб ҳам йўқ эди.* «Ёшлик». *Ўтмишни хотирларкан, Йўлчи оғир хўрсинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гоҳ ўлтириб, гоҳи ётиб, бемалол Сўзлар эди ўтмишидан кекса чол.* Ҳабибий. *Музейдаги экспонатларда белорус халқининг ўтмишини кўрдик ва яқиндан танишдик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ўтган давр; кечмиш, мозий ва шу даврдаги кишилар (аждодлар) ҳаёти. *Ўтмишда ота-боболаримиз озмунча тоғ қазишганми, биз ҳам қазиймиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳа, Ойбек ака айтгандай, Ғафур Ғулом ўтмишга қараб бугунни, бугуннинг хулосасидан эртасини кўра оладиган одамлардан эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Мақтамасман мозийни, бироқ Ўтмишингни ўйлайман бир зум.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ЎТМИШДОШ Ўтмиш ҳаёти бирга бўлган шахс. *У ўзининг ўтмишдошларига тақлид қилади, холос.* Газетадан.

ЎТМОҚ I **1** Маълум йўналишда ҳаракатда бўлмоқ (юрмоқ, учмоқ, оқмоқ ва ҳ.к.) *Ит ҳурар, карвон ўтар.* Мақол. ▬ *Кўчадан ўтаётган ёшу қари қўлини кўксига қўйиб, отахонга салом беради, ҳол-аҳвол сўрайди.* Газетадан. *Дала йўллари ғиз-ғиз ўтиб турган машиналардан гавжум, автобуслар серқатнов.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри. *Бу қуш ҳар замон бир томоқ қоқиб, кўкда арғимчоқ солиб ўтаётган турналарни кузатиб қолади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Сатҳ ёки бошқа маконда маълум йўналишдаги ҳаракатни таъминлайдиган нарса йўналган (чўзилган, ётқизилган) бўлмоқ. *Ер остидан газ қувурлари ўтган.* ▬ *Тол ўсган ердан кўча ўтгани учун, дарахт кесиб ташланди.* Газетадан. *Дарчанинг орқаси анорзор, унинг этагидан анҳор ўтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..демак, шу бута остидан телефон сими ўтган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Маълум жой, сатҳ ва ш.к. оралиғида (бирор томонга қараб) ҳаракатланмоқ, шундай ҳаракат билан уни орқада қолдириб, ундан кейинги жойда мавжуд бўлмоқ. *Гуллар юзида ханда, бу боғдан ёр ўтдими?* С. Зуннунова. *Қиз бедапоядан ўтиб, сўл ёқдаги дарахтлар орасида ғойиб бўлгач, Йўлчи.. яна ишга тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмаджон бир чордевордан ўтиб, кичкина майдонга чиққанида, рўпарада пулемёт тариллади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 Қарама-қарши томонлари (боши ва охири, икки чети) бўлган йўл, очиқ жой, тешик ва ш.к. нинг томонлари оралиғида ҳаракатланмоқ (йўналмоқ) ва шу йўналишда бир томонини қолдириб, иккинчисида ҳозир бўлмоқ. *Дарёдан ўта бошлади. Зовурдан сакраб ўтди. Тешикдан нариги ҳовлига ўтмоқ.* ▬ *Йўлнинг нариги юзига, автобус бекатига ўтмоқчи бўлди-ю, ўша заҳоти бу фикридан қайтди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

5 Юриб ёки бошқа ҳаракат билан (йўналиб) маълум жой, ўринда мавжуд бўлмоқ; ўрин олмоқ, жойлашмоқ. *Олдинги қаторга ўтмоқ. Меҳмонлар махсус ҳозирланган хонага ўтишди.* ▬ *Муслимжон, қани, тўрга ўтинг.* Н. Сафаров, Оловли излар.

6 Иш-фаолият кўрсатаётган жойини ўзгартириб, бошқасига кўчмоқ. *Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим.. яхши қилибсан.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Аҳмад Акмалхоннинг кўп жойларда ишлаб чиққанини эшитганди, «иккинчи программа» деяпти, демак, радиога ўтибди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

7 Иш-фаолиятини ёки ундаги усул ва ш.к. ни ўзгартирмоқ, бошқасига кўчмоқ. *Конвейер усулига ўтмоқ. Савдо ишига ўтмоқ. Пудрат усулида ишлашга ўтмоқ.* ▬ *«Сегоҳ»га ўтди, яна аллақандай ғамгин, эзгин куйларни айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 Ўз жойини ўзгартирмоқ, биридан бошқасига кўчмоқ. *Мен бир турмадан иккинчи турмага ўтаётибман, нега йиғлайсан!* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

9 Эгалик, тасарруф ўрни ўзгармоқ. *Бу ерлар корхона ихтиёрига ўтди.* ▬ *Уларнинг ўзаро писандаларига мувофиқ, янги ерлар, чиқариладиган сувлар Тешабойга текинга ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

10 Кимда ёки нимададир бўлган нарса, хусусият ва ш. к. бошқасига ҳам кўчмоқ, унда ҳам пайдо бўлмоқ. *Ҳоким йигирма беш солдатнинг кучи ўзига ўтиб қолгандек, куча-на бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уларнинг биридаги шўхлик ва завқ иккинчисига тез ўтар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Кумуш тўй ўзбеклар учун янги одат бўлиб, Европа халқларидан ўтган.* Газетадан.

11 Таъсир этмоқ, таъсири юзага келмоқ. *Калтак ўтмайди. Оёғидан совуқ ўтди.* ▬ *Бир ёш йигитнинг икки оғиз гапи Салим Ғаффорнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди.* «Муштум».

12 Ўз йўналишида муайян жой (нуқта)дан илгари йўналмоқ, узоқлашмоқ. *Сафар бўзчи Абдураҳмоннинг тўхтаганидан*

хабарсиз икки-уч қадам нарига ўтган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Энка-тинкаси чиқиб кетганидан, Валижон тушадиган бекатидан ўтиб кетганини энди сезди.* Газетадан.

13 Бир хил йўналишдаги ҳаракатда (юриш, югуриш, сузиш ва б.) ортда қолдирмоқ, ундан ўзмоқ, ўзиб кетмоқ. *Маррага яқинлашганда, барча пойгачилардан ўтиб, марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.* ▬ *Гоҳ афанди эшакдан, гоҳ эшак афандидан ўтиб, уйга етдилар.* «Латифалар».

14 *кўчма* Бирор хусусият, белги, хатти-ҳаракат ва ш.к. да бошқаларини ортда қолдирмоқ; устун, юқори бўлмоқ. *Қамишкапада бундан ўтадиган юзи қора йўқ..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ичимизда Ювошдан ўтадиган теримчи йўқ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Қовунлар ғарқ пишган. Бир-бировидан ўтаман дерди.* «Муштум».

15 Мазмунидан иш-ҳаракат англашувчи отлар, шунингдек, ***-(и)ш*** қўшимчали ҳаракат номи билан қўлланиб, шу сўз билдирган иш, ҳаракат қилишни бошлаш, шунга киришиш маъносини билдиради. *Охири йиғлашга ўтди. Бирор натижа чиқмагач, дўқ-пўписага ўтди. Ҳужумга ўтмоқ.*

16 Кечмоқ (бирор иш, воқеа, ҳодиса жараёни ҳақида). *Кенгаш яхши ўтган эди чамаси, Ғиёсиддиновнинг вақти чоғ эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Давра суҳбати савол-жавоб тарзида ўтди.* Газетадан. *Гарчи операция муваффақиятли ўтган, хирург роппароса тўрт соат ўлим билан олишган бўлсада, бироқ башоратга ҳали эрта эди.* Газетадан.

17 Юз бермоқ, бўлиб ўтмоқ; кечмоқ. *..ўзимдан қандоқ камчилик ўтганига ҳайронман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Абдурасул билан қассоб ўртасида ўтган гаплар эсига тушди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

18 Кейинда қолмоқ; кечмоқ (вақт ҳақида). *Йиллар ўтди, бир оз улғайдик, бу кун — Ватан хизматига бир қадар дастёр.* А. Орипов. *Олтин кузнинг олтин дамлари ўтиб бормоқда.* Газетадан.

19 Шахснинг шу феъл боғланган сўз англатган рақамдаги ёши бошланиши, шу ёшга қадам қўйиши маъносини билдиради. *Олти (ёш)га ўтди.* ▬ *Қизимизнинг бўйи чўзилиб, ўн тўртдан ўн бешга ўтиб қолди.* «Муштум».

20 Умрнинг ёки маълум қисмининг шу феъл боғланган сўз англатган иш, ҳолат билан кечишини билдиради. *Ёшим қирққа етди. На хотин, на бола-чақа. Дунёдан тоқ ўтдик ҳисоб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хонумонимдан кечаман, дунёдан портфелсиз, пальтосиз ўтаман, аммо бу ишни очмасдан қўймайман.* А. Қаҳҳор, Бек. *..Умри машинада ўтган кишини консерватор деганларига ҳайронман.* «Муштум». *Мана, умрим ўтди, нуқул азоб ичида ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

21 Барҳам топмоқ. *Бўроннинг тезда ўтиб кетишига кўзим етмайди..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Азим бойвачча, «Шўро ҳукумати баҳор ёмғиридек тез ўтиб кетади», деб ўйлар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шамоллагансиз, хафа бўлманг, ўтиб кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

22 Бирор иш, мансаб, ташкилот ва ш. к. га кирмоқ, тайинланмоқ, қабул қилинмоқ. *Партияга ўтмоқ. Депутатликка ўтмоқ.* ▬ *Оқибат, Воҳидов айтган номзод ўтди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Бўта раисликка ўтмаса, мен хижолат бўлиб қоламан.* С. Аҳмад, Ҳукм.

23 Харид қилинмоқ, сотилмоқ. *Бу матолар яхши ўтмаяпти.* ▬ *Корхона хўжайини эрталаб домлага: -Агар магазинларда ўтмай ётган моллардан бир оз олмасалар, буюртма бажарилмайди, — деди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

24 *кўм. фл. взф.* Етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлилиги, йўлакай бажарилувчи ҳаракат эканлиги каби грамматик ва модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. *Сен ҳовлига бор, жой тайёрла. Бир йўла магазинга ҳам кириб ўт.* Н. Сафаров, Оловли излар.

25 Бирор масалага оид мавзу, асар ва ш.к. ни ўқиш, ўрганиш, тинглаш амалиётини ўтказмоқ; ўқитмоқ, ўргатмоқ (ўқимоқ, ўрганмоқ). *-Ўқиганмисиз? — деди унинг сўзини кесиб бойвачча. -Ўқиганман. Навоий, Фузулийни ҳам ўтганман.. — жавоб берди Гуландом.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамида биологиядан нималар ўқиганини, бу ўқув йилида яна нималар ўтилажагини сўзлаб берди..* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

Баҳридан ўтмоқ Алоқани узмоқ; кечмоқ. *..боши олтиндан бўлса ҳам, шу одамнинг баҳридан ўтинг.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳалиям бўлса, бунинг баҳридан ўт..* П. Қо-

диров, Қора кўзлар. **Бошидан ўтмоқ** Ҳаётда кечирмоқ. *Ким табиб — бошидан ўтган табиб, дейишар эди, илмсизлик бошингиздан ўта туриб, шу гапни гапирасиз-а?!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Бошимдан ўтган гапларни бировга айтиш қаёқда, эсимга тушса, ўзим чўчиб кетаман.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Жонидан ўтмоқ** Азоб берадиган даражада қаттиқ таъсир қилмоқ. *Бояги гаплар Умматалининг ёнидан ўтган бўлса, буниси жонидан ўтиб кетди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Куни ўтмоқ** 1) куни кечмоқ. *Меҳнат кунингдан ҳам кечиб, Кунинг ўтар ароқ ичиб.* «Муштум»; 2) тирикчилиги юришмоқ. *Ука, бор — борича, йўқ — ҳолича, ишқилиб, бир кунимиз ўтиб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўз ўнгидан ўтмоқ** Кўз билан кўргандай гавдаланмоқ, аксланмоқ. *Қорақалпоқ элининг Аму тўлқинларидек сокин, жўшқин ҳаёт лавҳалари кўз ўнгимдан ўтди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. **Кўзи ўтмоқ** Кўра олмоқ, яхши кўрмоқ (асосан, майда, кичик нарсалар ҳақида). *Мана, ўқи, кўзинг ўтса, комиссар буйруғини.* Миртемир. *Бир вақтлар дўппи тикдим, кўрпа қавидим.. энди ундай ишларга кўзим ўтмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўнглидан ўтмоқ** Хаёлидан, ақлидан кечмоқ. *«Ҳамма гапни эшитиб олган экан писмиқ чол», деган фикр ҳар иккала ёшнинг ҳам кўнглидан ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Сўзи ўтмоқ** Сўзи инобатга олинмоқ. *Унинг тоғаси амалдор, амалдор бўлганда ҳам, қаерга узатса, қўли етади, нима деса, сўзи ўтади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Ўзинг(из)дан ўтар гап йўқ** Ўзингиз ҳаммасига тушунасиз, ҳаммасини биласиз. *Бу иш кечаси бўлгани маъқул. Кундузи бўлса, ўзингдан ўтар гап йўқ, хунукроқ кўринади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ўтиб тушмоқ** Бошқаларидан жуда устун бўлмоқ, бошқаларни орқада қолдирмоқ. *Бу ишда, айниқса, Жунаидхоннинг содиқ сардори Матчон тўра ҳаммасидан ўтиб тушди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Қадри ўтмоқ** *қ.* **қадр.** *Охир вақт бола қадри ўтиб, ҳар бир шаҳардан ўғил олиб келиб боқиб, қирқта ўғил боқиб олди.* «Бўтакўз». **Қаторга ўтмоқ** (*ёки* **кирмоқ, қўшилмоқ**) 1) сафга кирмоқ, қўшилмоқ. *«Қаторга киролмаган» деҳқонларга бошқачароқ тадбир қўлланади.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) бирор гуруҳга мансуб кишилар қаторидан, сафидан ўрин олмоқ. *Унинг [Сидиқжоннинг] номи чиқмаганлигига ҳеч ким эътибор қилмаган бўлса ҳам, назарида, ҳамма унга: «Хафа бўлманг, ахир бир куни қаторга кириб қоласиз», деяётгандай бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қўлидан ўтмоқ** Муайян шахс ёки шахсларнинг синови, хизмати ва ш. к. да бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ. *..не-не бекларнинг отларини кўрганман, не-не отлар ўз қўлимдан ҳам ўтган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎТМОҚ II **1** Кесмоқ, қирқмоқ. *Қаттиқ ёғочга болта яхши ўтмаяпти. Сабзига ўтмайдиган пичоқни ёнингда олиб юрибсанми.*

2 Ичига ботиб, ўйиб кирмоқ; тешмоқ, санчилмоқ. *Ўқ ўтмайди. Аҳмоққа айтган билан гап уқмайди, Харсангга қоққан билан мих ўтмайди.* Мақол.

ЎТОВ Марказий ва Ўрта Осиё, шунингдек, Жанубий Сибирь кўчманчиларида: енгил материал, кигиз кабилардан конуссимон шаклда ясалган кўчма уй, тураржой. *Иккинчи машинада кетма-кет брезент ўтовлар, қамиш деворлар ҳам етиб келибди.* Ш. Ғуломов, Қурбоналининг дадаси. *Қудуқ атрофида ўттиз-қирқта капа, тўрт-бешта кигиз ўтовдан ташкил топган овул бор.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Оқбурасой бўйларида ҳам, Чилмаҳрам тоғининг этакларидаги кўкаламзорларда ҳам юзлаб чодирлар ва ўтовлар пайдо бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЎТ-ОЛОВ 1 Ўт ва олов, оташ, аланга, чўғ.

2 *кўчма айн.* **ўт** I **7**. *Кунларнинг бирида Ўктамхон қишлоқнинг ўт-олов йигити.. Сидиқжоннинг Мирзачўлга муҳим топшириқ билан кетганини эшитиб қолди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

ЎТОМОЧ *эск.* Трактор. *Қирларимда ўйнаган ўт омочлар..* Миртемир.

ЎТОҚ I Экин ва кўчатлар орасидаги бегона ўтларни юлиб ташлаш. *Сабзи ўтоғи. Шоли ўтоқ.* ▬ *Ғўза ўтоғига чиққан Ойшахон кечки пайт бошига бир боғ ўт қўйиб, уйларига қайтди.* П. Қодиров, Эрк. *Ҳар йили пахтага ҳам, яганага ҳам, пиллага ҳам, ўтоққа ҳам олиб чиқишаверади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Ўтоқ қилмоқ Ўташ ишини бажармоқ. *Деҳқончилик қилиб, пахта ҳам экканман. Ўтоқ қилганман, ғўза чопганман, пахта терганман.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

ЎТОҚ II *кам қўлл.* Бирор хислати билан бошқалардан ўтадиган, юқори турадиган; афзал, аъло. *Мана, мажлис аъзолари шунақанги бир-биридан ўтоқ малаклар, парилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎТОҚЧИ Ўтоқ қилувчи киши. *Раҳим ўтоқчиларга чой, нон, газеталар етказиб бериб туриши, улар дам олганда, кийимлар ва асбобларга қоровуллик қилиши керак эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЎТОҒАСИ 1 Маълум тўда ёки гуруҳ ичида бошқаларга гапи ўтадиган, обрўли киши, тўда етакчиси; сардор. *Сўнгра буларни ўрдага олиб бориб, ойимларга ўтоғаси қилиб қўйдилар.* «Муродхон». *Қари-қартанг ва ўтоғасилар орага тушиб, қизни қочирган янгани зўрға ажратиб олдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Шундай шахсларга мурожаат шакли. *Сувонжон чолнинг жим бўлиб қолганини жаҳлдан тушдига йўйиб: -Ўтоғаси, қўчқорларни ҳайдаб кетаверайми? — деб сўради секин.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Ассалом алайкум, ўтоғаси! — деб салом беришади* [*мол боқиб юрган эркаклар, аёллар, болалар*] *дадамни кўриб.* Ойбек, Болалик.

ЎТПАРАСТ *тар.* Ўтни худо деб билувчи, ўтга сиғинувчи; оташпараст.

ЎТПАРАСТЛИК *тар.* Ўтпарастлар дини; оташпарастлик.

ЎТРИК *қ.* **ўтрук.** *Ҳали ҳам, бек оға, қайтгин элингга, Ўтрик сўз сўзламагин синглингга.* «Муродхон».

ЎТРОҚ Маълум бир жойда доимий яшайдиган; турғун. *Агар бу водийда узоқ ўтмишдан буён деҳқончилик қилиб келаётган донишманд ўтроқ халқ бўлмаганда, ҳосилдор ерлар сақланиб қолмаган бўларди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ЎТРОҚЛАШМОҚ Ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтмоқ; турғунлашмоқ. *Кўчманчи чорвадорлар ўтроқлашиб қолдилар.* ▬ *Отаси Жомрот ўзбекнинг кўпроқ ўтроқлашган «қатағон» уруғидан, чаласавод деҳқон эди.* «Фольклор».

ЎТРОҚЛИК Маълум бир ҳудудда узоқ вақт турғун яшаш, турғун ҳаёт кечириш тарзи.

ЎТРУ *эск.* Муқобил, қарши (томон), рўпара. *Ўлтирар сочин тараб ёр Чашманинг ўтрусида.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Бахмал танли тунни зулмат эзар бемалол, Ва ўтрумда ёлғиз юрак хаста, бемажол.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ЎТРУК *эск.* Ёлғон. *Ўтрук сўзламоқ.* ▬ *Сафарга бу баландпарвоз ўтрук гаплари ёқмади.* И. Шомуродов, Мағлубият.

ЎТРУКЧИ *эск.* Ёлғончи.

ЎТСОЧАР *ҳарб.* Душманга ёниб турган суюқлик сочадиган қурол.

ЎТТИЗ 30 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Ўттиз метр чит. Икки ўн беш — бир ўттиз.* Мақол. *Оларда — ҳисоби тўққиз, берарда — саноғи ўттиз.* Мақол. ▬ *-Мана энди ишонгандирсиз! — дедим унинг қўлтиғидаги портфелига кўз қиримни ташлаб, — санамай саккиз, ўйламай ўттиз дема, деб шуни айтадилар.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Эркак-аёл — жами ўттизга яқин одам тор кўчага ғуж бўлган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎТХОНА Нарсанинг ўт ёқиш учун хизмат қиладиган жойи. *Паровознинг ўтхонаси. Ҳаммомнинг ўтхонаси.* ▬ *Очил мана шуни ҳис қилиб, ўтхонага тушгандай чўғланиб кетган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. [*Рамазон*] *Самоварнинг кулдонини ингичка сим билан атрофлаб ковлаб, бир-икки қисм кул туширди-да, ўтхонасига икки-уч думалоқ тошкўмир ташлади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ЎТХЎР Ўт, кўкатни суйиб ейдиган. *Ўтхўр ҳайвонлар.*

ЎТ-ЎЛАН Ҳар хил ўтлар, кўкатлар. *Рота бир қатор бўлиб сўқмоқдан, баланд ўсган ўт-ўланлар орасида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЎТҚАЗМОҚ 1 Кимсанинг ўтириши учун жой бермоқ, ўтиришга кўмаклашмоқ. *Гиламга ўтқазмоқ. Диванга ўтқазмоқ. Машина кабинасига ўтқазмоқ.* ▬ *Зайнаб оёғи олти, қўли етти ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқазиб, ёнига учта парёстиқни уйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўтқазгани жой топмаслик Ниҳоятда яхши қабул қилмоқ, эъзозламоқ. *Офтоб ойимни бўлса Ўзбек ойим ўтқазгани жой топмас, қуда сўзи ўрнига, синглим, деб хитоб қилар, ошни ҳам унинг раъйини сўрамасдан буюрмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Жойлаб қўймоқ, ўрнатмоқ. *Йўлчи токчада ётган шамни ёқиб, бир пиёлани тўнтариб, унинг устига шамни ўтқазди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мулла Бурҳон*

оппоқ дока саллани қозиқдан оҳиста олди, кимхоб тўппига ўтқазди ва бошига қўйди. М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

3 Экмоқ (кўчат, қаламча ҳақида).

4 Ўринлаштирмоқ, жойламоқ; қўймоқ. *Квартирант ўтқазмоқ.*

Бошига ўтқазмоқ 1) ортиқ даражада ҳурмат қилмоқ, эъзозламоқ; 2) бош хўжайин қилиб қўймоқ. *Ёш, чиройли хотинга ёқиш, унинг кўнглини кўтариш учун, уни ҳаммамизнинг бошимизга ўтқазиб қўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎХЧИМОҚ Кўнгил айниб йўталгансимон, ғайриихтиёрий товуш чиқармоқ; қусмоқ. *Салимбойвачча қоронғида дарахтни қучоқлаб, узоқ ўхчиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қонни кўришим билан яна кўз олдимдан қизил доғлар ўта бошлади, кўнглим беҳузур бўлиб, ўхчий бошладим.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ЎХЧИҚ Ўхчиш ҳолати; ўхчиш. *Ўхчиқ тўхтади.* ▬ *Санобар ўхчиқ тутиб, ҳовлига югурди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЎХШАЛМОҚ *айн.* **ўхшамоқ 3.** *Ош ўхшалган эди. Биринчи ошамдаёқ, махдум Нигор ойимни тақдир этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎХШАМАГАН 1 Ўхшамоқ фл. бўлишсиз шаклдаги сфдш. *Укалари ўзига ўхшамаган, жуда ўжар.* ▬ *Фолбин узоқ вайсади.. одам кулгисига ўхшамаган бир йўсинда қийқириб кулди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с. т.* Хунук кўринадиган, ярашмаган. *Ўхшамаган кийим. Ўхшамаган қилиқ.*

3 Эҳтимол тутилмаган, кутилмаган, бемаврид. *Ўхшамаган ерда бир хотиннинг арзга келиши қўрбошининг кўнглига шубҳа солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎХШАМОҚ 1 Хусусият, хислат, тузилиш ва б. белгиси билан бир хилликка (ўхшашликка) эга бўлмоқ; ўхшаш бўлмоқ. *Бола отасига ўхшайди. Бу суюқлик мойга ўхшайди. Улар бир-бирига ўхшамайди. Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади.* Мақол. ▬ *Чирчиқ бўйи қишлоқларидаги уйлар бир-бирига ўхшайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *..домла сочларини бўятибдилар!.. Азбаройи худо, куя тушган пўстакка ўхшайди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

2 Ж. к. шаклидаги сўз билан шу сўз англатган нарса ҳақидаги тахминни, тахминий тасаввурни билдиради; бўлиб кўринмоқ. *Аҳволи чатоққа ўхшайди. Юр, бир айланиб келамиз, зериккамга ўхшайсан. Бугун кун қаттиқ исийдиганга ўхшайди.* ▬ *Гапига қараганда, хурсандга ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *с. т.* Кўнгилдагидек бўлмоқ, ўринламоқ. *Иш унча ўхшамади. Ош жуда ўхшабди.*

4 (*рвдш. сфдш. ҳар. н. шаклида* — **ўхшаб, ўхшаган, ўхшаш**) *кўм. взф.* Қиёс, ўхшатиш муносабатларини ифодалайди; каби, сингари. *Подадан қочган бузоққа ўхшаб, дуч келган эшикка бошингни тиқаверасанми?!* Ойбек, Танланган асарлар. *Яқинроқ бориб қараса, унинг боши қийшайган, чеккасидан увадага ўхшаган бир нарса чиқиб турибди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Эрлар севингандан кулсалар, сизга ўхшаш қизлар йиғлайдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎХШАТИШ 1 Ўхшатмоқ фл. ҳар. н. *Аҳмадга ўзининг ўхшатиши нашъа қилиб, кулумсираб қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 *ад.* Икки нарса ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, бўрттирироқ кўрсатиб беришдан иборат бадиий тасвир воситаси, кўчимнинг содда тури.

ЎХШАТМА 1 *айн.* **ўхшатиш 1.** *Бизнинг бу ўхшатмамиз ҳам унча тузук эмас.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Ўхшатиш асосида яратилган, қилинган иш, нарса. *Ўтмиш адабиётда машҳур шоирларнинг шеърларига ўхшатма яратиш бир одат бўлган.* Н. Маллаев, Улуғ зуллисонайн шоир.

ЎХШАТМОҚ 1 Ўхшамоқ фл. орт. н. (*қ.* **ўхшамоқ 1, 3**). *Укасига ўхшатдим. Ошни жуда ўхшатибди.* ▬ *Лекин жуда муғамбир, мўлтони одамга ўхшатаман.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Бирор кимса ёки нарсага қиёс қилмоқ, шунга ўхшаш, худди ўзи деб билмоқ. *Ҳаммани ўзингга ўхшатасан-а!..* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Унинг кулиши, юришини Рустам аллакимга ўхшатди.* «Муштум».

3 Қойилмақом қилмоқ; бопламоқ. *Ёшига монанд ва озода кийим кияди, сочини ўхшатиб тарайди..* М. Жўра, Изтироб. *Бу етмагандек, ўхшатиб ҳақорат қилди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 (*-(и)б қўшимчали рвдш.* — **ўхшатиб**) *кўм. взф.* Қиёс, ўхшатиш муносабатини билдиради; каби, сингари. *Энди мен сизларни гўдак болаларга ўхшатиб, алдаб овқат едираманми?!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Йигит.. чакмоннинг икки енгини хуржунга ўхшатиб, елкасига ташлади-да, орқага қайтди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

5 (*ўтг. зам. бирл. шаклида* — **ўхшатдим**) Аскиянинг бир жанри, йўли. *Аскиянинг бир қатор жанрлари мавжуд: қофия.. ўхшатдим, бўласизми..* «ЎТА».

ЎХШАШ 1 Ўхшамоқ фл. ҳар. н. *Табиат билан одам боласи қиёс қилинса, бир-бирига ўхшаши ақлни ҳайратга солади.* Газетадан. *Чўл одами худди янтоққа ўхшаши керак.* Газетадан.

2 Ўзаро бир хил, бир-бирига ўхшайдиган. *Унинг ёнида, укалари бўлса керак, бирбирига жуда ўхшаш икки бола..* Ойбек, Танланган асарлар. *Уларнинг ички дунёси кўп жиҳатдан ўхшаш эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Сиз билан бизнинг қисматимиз жуда ўхшаш..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *кўм. взф.* Каби, сингари (*қ.* **ўхшамоқ 4**). *У жилмайганида, қизларникига ўхшаш текис тишлари ярқ этиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЎХШАШЛИК Ўхшаш белги, ўхшаш белгига эгалик, ўхшаш ҳолат. *Боланинг онасига кўпроқ ўхшашлиги аниқ эди. Ташқи ўхшашлик.* ▬ *Тўтиқиз билан Дилшодда чиндан ҳам ўхшашлик, умумий жозиба бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎХШАШСИЗ *кам қўлл.* Тенги йўқ даражада, жуда ҳам, ғоят. *-Ўзим кўрмадим, — деди Офтоб ойим, — аммо кўргувчиларнинг сўзларига қараганда, ўхшашсиз кўркам, тенгсиз ақлли бир йигит эмиш!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎХШОВСИЗ Кўриниши хунук, меъёрга номуносиб, ярашмаган. *Сатанг хотинларнинг мўйчинакда терилиб, қора сурилган қошларидай ингичка мўйлови унинг афтангорини ўхшовсиз бир қиёфага солиб қўйган эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Пешонасида ажинлар қаторлашиб ётган қари куёв, худди жуфти билан энди танишган бўйдоқдай, ўхшовсиз қилиқлар қилади.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ЎЧ I Ҳақорат, алам ўтказганлик, умуман, ёмонлик учун қилинадиган жавоб тарзидаги иш, ҳаракат, ёмонлик; қасд. *Йўқ, Нусратилла уни ёмон кўради, бу одамларнинг ҳаммасида алами, ўчи бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Элмурод юзини кўтарди ва ялтироқ пешона, гўё бир ўчи бордай ғазабли кулги ифодаси билан хўмрайган кўзларни кўрди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёвни барбод этмай қўймайман! Юрак ёнар ўч аламида..* Р. Бобожон.

Ўч олмоқ 1) зиён етказгани, таҳқирлагани ва ш.к. учун жавоб тарзидаги ишни қилмоқ. *Онажон, йиғламанг, мен ўғлимни ўлдирганлардан ўч оламан!* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) умуман, аламини йўқотиш, тарқатиш учун бирор иш қилмоқ. *Сен бўлсанг, бугун ароқдан ўчингни олмоқчи бўлганга ўхшайсан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎЧ II Ниҳоятда берилган, ҳирс қўйган. *Ширинликка ўч бола. Пулга ўч.* ▬ *Латофат ёшлигидан қўшиққа ўч эди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Айниқса, хўжайиннинг катта ўғли Ҳакимбойвачча пахтага жуда ўч одам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хуморхон шунақа нарсаларга ўч, ўшанга оширамиз.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ЎЧАКИШ Аччиқ-алам, ўч олиш каби зид иш тутиш, зиддига бориш, шундай мақсадда бўлиш. *Бундай мижозлар билан ўчакишни Ҳазархўжа ишга зарар беради, деб ҳисоблайди.* «Муштум».

ЎЧАКИШГАНДАЙ, -дек 1 Ўчакишмоқ фл. сфдш. нинг ўхшатиш шакли; ўчакишган каби. *Улар бир-бирлари билан ўчакишгандай, хурракни даража-бадаража оширишга тиришади..* Ойбек, Танланган асарлар. *Изғирин ўчакишгандек.. оёқларга урилиб, йиқитмоққа жазм қилди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Аксига олиб, бахтга қарши. *Ўчакишгандай, айни терим олдидан Темиржоннинг тоби қочиб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ўчакишгандек, Воҳидовнинг отпуска вақтига тўғри келди. Бугун бориб, яна тополмадим.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЎЧАКИШМОҚ Аччиқ-алам, ўч олиш каби ният билан зид иш тутмоқ, шундай мақсадда бўлмоқ. *Ашур одамга бир ўчакишиб қолгандан кейин, то енгиб олмагунча қўймас экан.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Отам бечора нафаси ичига тушиб минғирлайди, халфани инсофга, муросага чақиради, дам ўчакишиб, қаттиқроқ гапиради.* П. Турсун,

Ўқитувчи. *Сиз Толиб акага гап қайтарманг, ўчакишманг. Кек сақлайдиган одам у.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Агар ораларингга совуқчилик тушириладиган бўлса, сен ўчакишиб юрма, яхшиси, қайин отангга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎЧИНҚИРАМОҚ Сал ўчмоқ, бўзармоқ, оқармоқ (ранг-рўй ҳақида). *Унинг ранги бир оз ўчинқираб кетди.*

ЎЧИРГИЧ 1: **ўт ўчиргич** Ёнғинни ўчириш асбоби.

2 Ёзув ва ш.к. ни ўчириш учун ишлатиладиган махсус резинка. *Бу ёққа кел, болам, ўчиргични ҳозир топамиз.* Мирмуҳсин, Умид.

ЎЧИҚ 1 Ўчган, ўчирилган. *Иккинчи қаватдаги чироқлари ўчиқ хона деразаларига ички бир армон билан тикиламан.* Газетадан.

2 Қизиллиги йўқолган; бўзарган (ранг-тус ҳақида). *Юзлари пачақланган, ҳамма ёғи моматалоқ, сочлари тўзғиган, ранги ўчиқ Жўрахон ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳайдар совуқ, ўчиқ юзини терс бурган подшоҳга таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқди.* Ойбек, Навоий.

ЎЧЛИК Ўч бўлиш, ўч эканлик. *Пулга ўчлик.* ▬ *Бири вилоятнинг тинчлигин ўйлар, Урушнинг қонларга ўчлигин ўйлар.* М. Шайхзода. *Маҳаллада Ориф отанинг райҳонга ишқибозлиги, ўчлигини ёшу қари билардн.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЎЧМОҚ 1 Ёнишдан, ёлқин беришдан тўхтамоқ; сўнмоқ. *Ўтни ковласанг — ўчади, Қўшнингни ковласанг — кўчади.* Мақол. ▬ *Шу чоқда на учундир токчада ёниб турган шам ҳам лип-лип қилди-да, ўчди.* А. Қодирий. Ўтган кунлар. *Самандаров бир қоши паст ва бир қоши баланд бўлиб, ўчиб қолган махоркасини чироқдан тутатиб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Асл тусини йўқотмоқ; хиралашмоқ, ўнгмоқ. *Читнинг ранги ўчибди. Қадимий минора нақшларининг бўёғи ҳамон ўчмаган.* ▬ *Ғафур тобора асабийлашар эди, бунинг оқибатида кўзлари хиралашиб, лаблари пирпирар, ранглари ўчиб, қўллари титрарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Кўздан ғойиб бўлмоқ, кўринмай қолмоқ, йўқолмоқ. *Гуллар, яшилликлар орасида унинг адил — келишган қомати, шаффоф бир хаёл каби гоҳ ялт этиб кўринар, гоҳ ўчар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Водийни ярим доира шаклида ўраган баланд-паст тоғлар аста ўча бошлаган.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

4 *кўчма* Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ. *Уйқуси ўчмоқ. Тарихдан номи ўчмоқ.* ▬ *Саҳронинг номи ўчар, Ўзгаради қумлоқлар..* Қ. Муҳаммадий. *Ундаги улуғ зотлик аломатлари бирданига ўчди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Оқподшонинг тахти куйсин, қораси ўчсин!* Ойбек, Танланган асарлар. [*Таннозхон:*] *Дийдоринг ўчсин сенинг!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

5 Тўхтамоқ, тинмоқ; эшитилмай қолмоқ. *Ҳозиргина сўзлашиб ўтирган Кумуш билан онасининг товушлари ўчган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Саидғозининг момақалдироқ қалдирашидек асабий кулгиси қандай бошланган бўлса, ўшандай тўсатдан ўчди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Извош қўнғироғи, от туёқларининг овозлари бора-бора ўчади.* Н. Сафаров, Уйғониш.

Нафаси ўчмоқ Овози чиқмай қолмоқ, жим қолмоқ. *Элмурод салом бериб, эшикдан кириши билан, унинг нафаси ўчиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Салқинда чирилдоқнинг ҳам нафаси ўчганди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

6 *кўчма* Хотирадан кўтарилмоқ, эсдан чиқмоқ, унутилмоқ. *Номи ўчиб кетган Боқи мирзо кўп вақт ўтмай «инобатлик мирзо» номи билан бош кўтарди.* А. Қаҳҳор, Мирзо. *Шоир сўзи мармар тошга ўйилган — Ўйма хатдек турар, дунёда ўчмас.* Қ. Муҳаммадий.

7 *с.т.* Сафдан ёки ҳисобдан чиқмоқ. *Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчган киши. Рўйхатдан ўчганлар.*

ЎЧОҚ 1 Орқа ва ён томонлари ёпиқ бўлиб, ичига ўт ёқиладиган, овқат пишириш учун устига қозон ўрнатиладиган қурилма. *Лой ўчоқ. Ер ўчоқ. Темир ўчоқ.* ▬ *Тош ўчоқда арча чўғи яллиғланиб турибди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Бригада булоққа яқинроқ жойдан ўчоқ ковлаб, қозонни ўрнатди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кунчиқар томонда катта ўчоқ, қозонда шўрва қайнаб турибди.* «Эртаклар». *Ҳиммат.. ўчоқда ловуллаб ёнаётган ўтга косовни тутиб.. папиросини тутатиб олди.* М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат.

Ўчоқ боши 1) таом пишириш учун ўчоқ қурилган жой. *Синдирилди тез зоғора нон, Севган қизи, кўз нури — Ойхон Қушдай учди ўчоқ бошида.* Ҳ. Пўлат; 2) *қ.* **ўчоқбоши.** *Ўчоқ бошида керосин билан шишасиз ёнаётган жинчироқни олиб, ташқари чиқди.* С. Айний, Қуллар. *..қуртга барг кесгани борамиз. У киши келсалар, овқат ўчоқбошида.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Бирор нарса пайдо бўладиган, амалга ошадиган, тарқаладиган жой; манба, марказ. *Билим ўчоғи. Маърифат ўчоғи. Тарбия ўчоғи.* ▬ [*Элмурод*] *Агар ўзи бу ердан кетганда ҳам, дастлабки маданият ўчоғининг абадий қолишини ўйлаб, ўзидан-ўзи ғурурланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хуллас, Шероз қадимдан адабиёт, санъат ўчоқларидан бири бўлган, у ерда миниатюра мактаби ҳам ривожланган.* Газетадан. *Мамлакатнинг марказий ва шимолий туманларида ёнғин ўчоқлари сони ортиб бормоқда.* Газетадан. *Қумқишлоқ деҳқонларини қадимдан қийнаб келган ботқоқларни.. иситма-безгак ўчоқларини қуритиш учун бир неча чақирим узунликда зовур қазиш керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЎЧОҚБОШИ Таом тайёрлаш учун ўчоқ-қозони бўлган ва овқатланиш учун керакли асбоб, идиш ва б. билан жиҳозланувчи хоналари бўлган жой. *Ҳужра ёнида кичкинагина ўчоқбоши қўнқайган.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Кампир икки йилча тинч, хотиржам яшади. Чевараларини суяр, шулар билан овунар, эндиликда ўчоқбошига яқин бормасди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЎША *кўрс. олм.* Узоқдаги, аввал тилга олинган кимса ёки нарсани, ўрин, пайтни кўрсатиш, айтиб ўтилган, аввалдан маълум бўлган бирор ҳодисани эслатиш, унга ишора қилиш учун хизмат қилади. *Ўша йил. Ўша кундан бошлаб. Ўша одам ёдингиздами? Ўша жойда учрашамиз.* ▬ *Бу шоду хуррамликни туғдирган яна ўша сув эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Биз ўша ерга бориб туришимиз керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Яқинроқ борсак, яна ўша эрталабки ёш эр-хотинлар.* Ҳ. Қодирий, Йўлда. *Ўша жилва ва ўша оташ, Ўша кўзки, сузгин, хаёлкаш, Ўша имо, ўша ишора Эта бошлар юракни пора.* Ҳ. Олимжон.

ЎШАЛ *эск. айн.* **ўша.** *Севганимдан айрилсам, Ўлганим ўшал кундир.* «Қўшиқлар». *Ўшал кишининг ўғилларидан дегин.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЎШАНАҚА *айн.* **ўшандай.** *Ўшанақа ишлардан биттаси пилла қурти.* А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

ЎШАНАҚАНГИ *с. т.* Ўшанақа. *Онахон оқпошшонинг тахтдан туширилганини, аллакимлар тахтга бошқа бир ўшанақанги пошшони ўтқазишмоқчи бўлиб уринганини Собиржондан эшитди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЎШАНАҚАСИ Ўша йўл билан, ўша томондан. *Умар акам ўшанақаси шаҳарга жўнаган бўлса керак..* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ЎШАНДАЙ Айтиб ўтилган кимса ёки нарсага ўхшаган, ўшанга ўхшаш. *Сен ҳам — ўшандай кишилардан бири. Ўшандай қилиқ сенга ярашмайди.* ▬ *Ўшандай дағал, қалин, узун, чўпдай ингичка суяк бармоқлари билан эшик ҳалқасини ушлаб.. олдинга юрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўшандай тепки ҳали эс-ҳушини ўнглаб ололмаган Ҳамроқулнинг ҳам кўкрагига тушди.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. *Ўшандай шошилиш билан варақлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЎШАНДАЙИЧА *с.т.* Ўшандайлигича.

ЎШАНДАЙЛИГИЧА *рвш.* Қандай бўлса, шундайлигича; илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ўшандай ҳолатда. *Бу минора юз йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандайлигича сақланиб турибди.*

ЎШАНЧА *рвш.* **1** Айтиб ўтилган миқдорда; ўша даражада; шунча. *Қанча кўп ишласанг, ўшанча кўп ҳақ оласан.*

2 Айтиб ўтилган киши ёки нарсага ўхшаш ёки тенг. *У бола 50 кило пахта терди, сен ўшанча ҳам бўлмадинг.*

ЎШАНЧАЛИК *рвш.* Айтиб ўтилган даражада. *Водокачкалардан бирини тиклашда, тайёр сувга ариқ чиқаришда ўшанчалик ноаҳил бўлган капсанчилар ҳозир бунчалик иттифоқ бўлиб қолганларига ўзлари ҳам ҳайрон эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЎША-ЎША *рвш.* **1** Илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, ўзгармаган, ўша ҳолатда, ўшандайлигича. *У анча кексайиб қолибди, аммо феъл-атвори ўша-ўша.* ▬ *Уйда тирикчилик ўша-ўша-ю, лекин вофурушлар домидан қутулганига Собиржон минг марта рози эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Ўшандан буён; шу-шу. *У уч йил аввал аразлаб кетган эди, ўша-ўша келмайди.*

ЎШШАЙМОҚ Қовоқ-тумшуғи солиниб, хўмрайиб турмоқ. *Бошқаларга ўшайиб, Қовоғингни уясан.* «Муштум». *Ҳали шунақа тилларинг борми сенинг, дегандай она қизига ўшайди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Мухбирнинг бу саволи.. китоб савдоси ходимларига ёқмади, бирдан ўшайиб олишди.* «Муштум».

ЎШҚИРМОҚ Дўқ, пўписа қилмоқ, жаҳл билан қаттиқ гапирмоқ, ғазаб билан бақирмоқ. *Муса кўса Бўтага қараб турган хотинига ўшқирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бегимхон икки чаккасидаги гажагини силкитиб, муштларини белига тираб турган эди, Адолат ўшқириб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎЮВЧИ 1 Ўймоқ фл. сфдш. *Ер ўювчи киши.*

2 *махс.* Кимёвий реакцияга киришиб, тана тўқимасини бузадиган, емирадиган. *Ўювчи кислота. Ўювчи ишқорлар.* ▬ *Агар бундай чангнинг таркибига ўювчи ёки заҳарли моддалар кирса, у вақтда бу чанг жуда зарарли бўлади.* «Физиология».

ЎҚ I **1** Ёйга қўйиб отиладиган, учи найзасимон узун, ингичка таёқча; тир. *Садоқдаги ўқ.* ▬ *У камонга чапдастлик билан ўқ ўрнатди ва чопиб бораётган от устида нишонга отди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Милтиқ, тўппонча, пулемёт каби қуролларга жойлаб отиладиган кичкина снаряд; патрон. *Душман пулемёти бирдан жимиб қолди, ўқи тугаган пулемётчи эса қоча бошлади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўқ овозига одам тўпланганда, мис кўза қорни пачақланиб, тупроққа ағнаб ётар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

3 Шундай снаряд, патроннинг отилганда оғзидан чиқиб учадиган, мўлжалга йўналтириладиган қисми (қўрғошин, питра каби). *Оқилхонтўра Бўтабойни мўлжаллаб отган ўқ Тиллабувага теккан экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ортиқ гилам тўшалган уйда, ойнаванд шкаф қаршисига айиқ терисини ёйиб, ўқ тешган жойларини кўздан кечираётган эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

Ўққа тутмоқ Кетма-кет, узлуксиз ўқ йўлламоқ. *..ҳар қалай, сен айтгандай, граната ташламабди-ю, самолётни ўққа тутибди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *..душманнинг учта транспортёри йўлда дарахт кесаётган жангчиларни ўққа тутиб, қайтиб келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Миномёт, реактив артиллерия ва ш.к. қуроллардан отиладиган ўқ-дори; снаряд. *Фронт орқасида ўра қазиб турганда, Мулла Обиддан ўттиз метрча нарига бир катта тўп ўқи тушиб, қаттиқ товуш чиқариб ёрилди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЎҚ II **1** Икки учига ғилдирак ўрнатиладиган, ёғоч ёки металлдан ясалган ғўла. *Автомобилнинг ўқи. Трамвайнинг ўқи. Ўқ ясамоқ.* ▬ *Бир нима десалар, мой сурмасанг, араванинг ўқи ҳам ғирчиллайди, деймиз.* «Муштум».

2 Дастгоҳ, машина ва ш.к. нинг айланиб турадиган ўқсимон узун қисми. *Зиёбек қандайдир бир ўланни хиргойи қилиб, кунжаранинг четини синдириб, ўқ тагига ташлайди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Вишканинг тепасидаги пишангнинг ўқи сал қийшайиб қолган экан.* П. Қодиров, Эрк.

3 Бирор жисм ёки фазонинг марказидан ўтади, деб фараз қилинадиган тўғри чизиқ. *Айланиш ўқи. Симметрия ўқи. Ер ўз ўқи атрофида айланади.* ▬ *..планнинг бош ўқи шаҳарнинг шимолидан жанубига қараб адил ўтказилган.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда.

ЎҚАЛОҚ Бўка (сўна) қурти (асосан, сутэмизувчи ҳайвонлар танасида бўлади).

ЎҚАЛОҚЛАМОҚ 1 Шундай қурт чиқармоқ. *Ҳа, ака, ўқалоқлайдиган сўна қаёқда!*

2 Шу қурт терини тешиб чиқаётганида, ирғишлаб, шаталоқ отмоқ. *Сигир ўқалоқлади.*

ЎҚАРИҚ Пайкал эгатларига ёки умуман пайкалга шохариқдан сув олиб таратиш учун хизмат қиладиган муваққат ариқ. *Бир оздан кейин сув таралган картанинг ўқариғи бошига келиб тўхтади.* Газетадан. *Ўқариқ ёқаларида кета-кетгунча тут дарахтлари. Пайкаллардаги ҳар бир эгат ипга чизиб қўйгандай текис.* С. Нуров, Нарвон. *Насим буғдойпояда ўқариқ қазишдан эрта қайтди.* Т. Мурод Қўшиқ.

ЎҚДАЙ, -дек 1 Ўқ сўзининг ўхшатиш шакли; ўқ сингари, ўқ каби. *Сипарангиз ва унинг сафдошлари ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар Тўмариснинг ва барча аёлларнинг юракларини ўқдек тешиб ўтди.* М. Осим, Тўмарис.

2 *кўчма* Жуда тез. *..қора терга тушиб, оқ кўпикка ботган тўриқ.. тупроқ йўлдан ўқдек учиб борарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Тўғри, тик, адил. *Ўқдай ёғоч. Ўқдек йўл.*

ЎҚДОН 1 *айн.* **садоқ.**

2 Ўқ, патрон солиб, кўпинча белга осиб юриладиган чарм қутича; патронташ. *У* [*Мадамин*] *қора тўни устидан елкасига қадимги ўқдонларини осган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ўқдон-камар *эск.* Сиртига ўқлар жойлаштириш учун мосланган қайиш лента. *Белига ҳам, елкасидан ошириб кўкрагига ҳам кенг ўқдон-камар тақиб олган қора мўйловли, новча бир одам она-болани.. ичкарига етаклади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *махс.* Ствол коробкасининг ўқ жойланадиган қисми. *Милтиқнинг ўқдони.* ▬ *Қора Қоплон иккита қирқма бешотар милтиқ.. иккита тўппончани қўйиб, ўқдонларини бирма-бир кўздан кечириб, отишга шай қилиб қўйди-да.. хуржунларга жойлади.* К. Яшин, Ҳамза.

ЎҚ-ДОРИ Снаряд, патрон, мина, граната каби портловчи моддалар, жанг буюмлари мажмуи. [*Али тажанг:*] *Ўқ-дорининг бари фашист занғарда экан, гумбурлатгани-гумбурлатган.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўқ-дори юкланган араваларнинг кўплари ўрмон балчиқларида қолиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У.. бу йил қанча милтиқ, тўп, ўқ-дори келтирилганини айтди..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мана, ўқ-дорилар ҳам отларга ортиб бўлинди..* К. Яшин, Ҳамза.

ЎҚ-ЁЙ 1 Ёй ва ўқ (ов ва ҳарбий мақсадларда ишлатиладиган отиш қуроли); камон. *Пошшо Кимсанни ўз аскарларига қўмондон қилиб тайинлаб, унга ўнг ёнидан жой, чинакам қилич, чинакам от ва чинакам ўқ-ёй ҳадя қилди.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан. *Қўлимда ўқ-ёй бўлганда ҳам, отмас эдим бу гўзал жониворни.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 *шв.* Камалак. *Ёмғирдан сўнг осмонда ўқ-ёй кўринди.*

ЎҚИГАН 1 Ўқимоқ фл. сфдш. *Бундаги фарқни Юсуф-Зулайҳо қиссаларини ўқиган киши биладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўқимишли. *Ўқиган қиз.* ▬ *Ўқиган бўлса ҳам, уқмаган йигитга ўхшайди, йўқса, Насибанинг ўқишини ора йўлда қолдириб, мактабидан юлиб олмоқчи бўлмас эди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ЎҚИЛОН Сувилонлар оиласига мансуб, гавдаси ингичка, узунлиги тўқсон см. гача бўлган, танасининг орқа томонида тўртта бўйлама қорамтир йўли бор илон.

ЎҚИМАГАН 1 Ўқимоқ фл. бўлишсиз сфдш. шакли. *Газета ўқимаган одам ҳаётдан орқада қолади.* ▬ *Биз ўқимаган, оми одам бўлсак ҳам, сиздан аҳмоқроқ эмасдирмиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *с. т.* Арзимас (оддий) нарсанинг фаҳмига етмайдиган одам ҳақида, шундай шахсга нисбатан қўлланади. *Шуни ҳам билмайсанми, ўқимаган.*

ЎҚИМИШЛИ 1 Ўқиб, маълум маълумотга эга бўлган, онг, саводи яхши. *Авваллари эрини «ўқимишли одам, ёрдам берар, ўнинчини битирганимча қолиб кетмасман», деб юрган хаёллари ҳам охири пучга чиқди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. *Унга хатсавод ўргатишга, жамоанинг ҳисоб-китоб ишларини олиб боришга сиздай ўқимишли кишилар керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *кам қўлл.* Яхши савод билан ёзилган; ўқишли. *Бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган муаллиф бу китобида энг гўзал инсоний фазилатларни ҳаётий лавҳаларда ўқимишли баён қилган.* Газетадан.

ЎҚИМОҚ 1 Сўз, жумла, гап, матн ва ш.к. нинг ёзма шаклини ичда ёки оғзаки ифодаламоқ. *Мақолани ўқимоқ. Қадимий ёзувни ўқимоқ. Товуш чиқариб ўқимоқ. Ўқиб эшиттирмоқ. Рўйхатни ўқимоқ. Нотўғри ўқимоқ. Қийналиб ўқимоқ. Биринчи саволни ўқиди.* ▬ *Кўп ўтмай, у дурустгина ўқийдиган ва унча-мунча ёзадиган бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шеърий ёки насрий матнни ёддан айтмоқ. *Йигит форсча бир байт ўқиди. -Бобо Урёний бу, биламан! — деди Аваз. — Бошқа ўқи!* С. Сиёев, Ёруғлик. *Чойхонада.. узун қулоқли қаландар кўзларини юмиб, янгроқ овозини баланд қўйиб, Машрабдан ғазаллар ўқийди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бувижон, дуоларингизни ўзимизнинг тилимизда ўқийверсангиз, худо тушунмасмикин-а?* «Гулдаста».

3 Диққат билан, таҳлил қилиб назардан ўтказмоқ; мутолаа қилмоқ. *Диққат билан қайта-қайта ўқимоқ.* ▬ *Кўп ўқигансиз, лекин кам биласиз, синглим!* Ў. Ҳошимов,

Қалбингга қулоқ сол. *Фузулийни яхшилаб ўқиш керак!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ўзи бирикиб келган сўзни ёки унга хос маънони (мазмунни) билдирувчи сўзларни, ибораларни айтмоқ. *Лаънат ўқимоқ. Тасаннолар ўқимоқ.* ▬ *Бу ерда ишлаётган экскурсоводлар ҳамда қайиқчилар маҳорати ва матонатига офаринлар ўқидик.* Газетадан. *..бугун Эрбўта билан йўлда келаётиб, болани эсдан чиқариб қўйганда ҳам, Ҳаёти дилрозини ўқиётганда ҳам шу уй миясида, тилининг учида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Диний тушунчаларни ифодаловчи баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўз иштирокидаги жумла, гап ва ш.к. ни айтмоқ, унга оид ҳолат, маросимни ўтамоқ маъносини билдиради. *Никоҳ ўқимоқ. Фотиҳа ўқимоқ. Дуо ўқимоқ. Намоз ўқимоқ.* ▬ *-Шариат бўйича никоҳ хутбаси ўқилган, — деди шайх..* К. Яшин, Ҳамза. *..Мансур онасининг қабри тепасида узоқ ўтирди. Қоровул чол қуръон ўқиганидан кейин ҳувуллаб қолган ҳовлига қайтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 *кўчма* «Ўз тилида сўзламоқ» (шахсдан бошқа нарсаларга нисбатан). *Тонг ёришгани, дунёга нур тўлгани учун қувонаётгандек, осмонда тўрғайлар ҳамду сано ўқийдилар..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир неча қалдирғоч Салор оқими бўйлаб учар ва учган кўйи «валфажри» ўқир эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Шахс ёки нарсанинг қиёфа, ҳолатидан бирор маънони англамоқ, билмоқ, тушунмоқ, уқмоқ. *Гўё бу сеҳргар чол ҳамма сирни бетдан ўқиб олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг кўзларида, сени суйганимдан жўрттага ноз қиляпман, деган-дай бир маъно ўқиди Комила.* Ойбек, Танланган асарлар. *Табиат ўз тилида роз айтиб шувуллар экан, йигит бундан ўз қувончининг мадҳини ўқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 Ўқув юртларида таҳсил олмоқ. *Мактабда ўқимоқ. Лицейда ўқимоқ. Мадрасада ўқимоқ. Бешинчи курсда ўқимоқ.* ▬ *Қунт билан ўқиди. Олий маълумотли бўлди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Бўлди! Театр-рассомчилик институтида ўқийдиган қиз. Худди ўшанинг ўзи!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

9 *кўчма* Бирор мақсадга кўндирувчи, оғдирувчи гапларни қилмоқ, миясига қуймоқ. *Биз ҳам анойи эмасмиз, ахир. Мухбирни ўртага олиб, роса ўқиймиз..* «Муштум». *Кейин аста устидан сув сочдим, тушунган.. хотинлар тугун кўтариб юрмайди, бир кило-икки кило ширинлик ёки бирор кийимлик олади-қўяди, деб роса ўқидим.* Т. Алимов, Дашшў.

ЎҚИТМОҚ 1 Ўқимоқ фл. орт. н. *Чиқиб, почтальон бериб кетган мактубни қўшнининг ўғли Азимхонга ўқитди.* Ҳ. Шамс, Оқпадар. *Сиз бир неча кишини ёрдам учун юборсангиз, улар ўз қўшниларини ўқитиб ўргатадилар, қандай қилиб қуриш зарурлигини амалда кўрсатиб қайтадилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [*Отабекка*] *Бу савол берилиб, Ҳомид билан бояги учрашишини унга хотирлатган ва энди ҳам кулиб қарамаган бахтига лаънат ўқитган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сотиболди касални ўқитди — бўлмади..* А. Қаҳҳор, Бемор.

2 *с. т.* Ўргатмоқ. *Менга ўқитасанми бу ишларни, ўзим сендан яхши биламан. Ўқитма менга, ёшлик қиласан.*

ЎҚИТУВЧИ 1 Ўқитмоқ фл. сфдш. *Қадимий ёзувларни ўқитувчи киши.*

2 Фан, тарбия асосларидан бирини ўқитадиган, дарс берадиган киши; муаллим. *Адабиёт ўқитувчиси. География ўқитувчиси. Университет ўқитувчиси.* ▬ *Оққўлга ўхшаган узоқ қишлоқларга ўқитувчи етишмас эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Жисмоний тарбия ўқитувчиси унга «сендан яхши спортчи чиқади», деган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЎҚИТУВЧИЛИК Ўқитувчи иши, касби; ўқитувчи эканлик. *Ўқитувчилик — шарафли касб. Ўқитувчилик қилмоқ.* ▬ *Жаҳл устида акасининг ўқитувчилигини унутиб, шу ишни қилган Аваз энди.. ҳеч кимнинг кўзига кўрингиси келмас эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎҚИШ 1 Ўқимоқ фл. ҳар. н. *Буларнинг ёшида биз ўқишни билардик.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қуръон ўқишга ҳеч кимда мажол йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳамкасабасига таҳсин ўқишдан ўзини сақлаб қололмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ой ёруғида киши чеҳрасини ўқиш қийин.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Ўқув машғулотлари; дарс. *Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.* ▬ *Олдинги ҳафтада бир-икки кун ўқишга бормай юрдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳар куни маълум соатларда ўқиш бўларди, турли машғулот ўтказиларди.* А. Қаҳҳор. Олтин юлдуз.

3 Маълум бир ўқув юртида таҳсил олиш; таҳсил жараёни, муддати. *Энди мактаб бор, бемалол ўқишларингиз мумкин..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўқишни битирганимдан сўнг тақсимот бўйича юборишганди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ўғлимнинг ўқишига халақит берманглар, ўғлим дадасининг, менинг орзумни руёбга чиқариши керак.* «Гулдаста». *Ўқишнинг охирги куни ҳам келди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЎҚИШ-ЁЗИШ Ўқиш ва ёзиш; савод. [*Ғуломжонни*] *Катта ёшдагиларга хос усул билан ўқитиб, икки-уч ой ичида русча ўқиш-ёзишга ўргатиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎҚЛАМОҚ Ўқдонга ўқ жойламоқ, отиш учун ҳозирламоқ. *Тўппончани ўқламоқ.* ▬ *Аваз милтиқ ўқлаётган эди: айиқ қўшни сурувга ҳужум қилганини у ҳам эшитган эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ЎҚЛИ I Ўқи бор; ўқ жойланадиган; ўқланган. *Ўқли милтиқ. Етти ўқли тўппонча.*

ЎҚЛИ II Ўққа ўрнатилган; ўқи бўлган. *Тўрт ўқли вагон.*

ЎҚЛОВ I **Ўқламоқ** фл. ҳар. н.

ЎҚЛОВ II Ўқлоғи. *-Ойим қўлидаги хамир ёйиб ўтирган ўқлов билан бошимга астагина урди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЎҚЛОҚ *айн.* **ўқлоғи.** *..овози хасталанган, ориқлаб, қўл томирлари ўқлоқдай ирғиган эди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар..

ЎҚЛОҒИ Ошхамир ёйиш учун ишлатиладиган узун силлиқ таёқча. *Мен бу боққа фақат бир кинначи сифатида кирган эдимки, бузоқ йўқотган эгачим ўқлоғи кўтариб қаршилади.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЎҚРА *айн.* **ўқалоқ.** -[*Сигирнинг*] *Ўқраси ҳам бор экан, — деди сутчи бобо.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ЎҚРАЙМОҚ Жаҳл, ғазаб билан қарамоқ, чақчаймоқ; хўмраймоқ. *Низомжон шердек бўкириб, ўрнидан туриб кетди. У қалт-қалт титрар, кўзлари қинидан чиқай деб, опасига ўқрайиб қарар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. [*Фозилжон*] *Хотинига ўқрайиб бир қаради-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб, ичкари уйга кириб кетди.* С. Зуннунова, Узилган ип.

Кўзлари ўқрайди 1) хўмрайиб қаради; 2) озиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетди. *Беш ой ичида унинг қизил юзи сўлишиб, кўзлари ўқрайиб қолган эди.* М. Осим, Элчилар.

ЎҚРАНМОҚ Томоғидан ғулдураганга ўхшаш бўғиқ товуш чиқармоқ (от, сигир ҳақида). *Соқибулбул бориб вақтин хушлади, Ғиркўк бедов бир ўқраниб кишнади.* «Ҳасанхон». [*Отхонада*] *Ҳўкизлар пишқирар, отлар одам товушини эшитиб ўқранар эди.* Н. Фозилов, Оқим. *У бузоққа яқин келиши билан говмиш қизғаниб ўқранарди.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

ЎҚСОЧАР *с.т. эск.* Автомат, пулемёт. *Лаънати, ўқсочари билан баримизни тутдай тўкиб ташлайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЎҚТАЛМОҚ Мушт, таёқ, милтиқ ва ш.к.ни уриш, отиш таҳдиди билан кўтармоқ, тўғриламоқ. *Калтак ўқталганга чўқмор кўтар.* ▬ *Ердан думалоқ тош олиб, менга ўқталди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Қорабоев тўппонча ўқталиб, оқсоқолга ханжарни узатди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Халфа ўрнидан ирғиб туриб, менга мушт ўқталди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Полвон қўрбошига орқасини ўгириб, йигитларга — милтиқ ўқталиб турганларга қаради.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

ЎҚТАМОҚ Бирор томонга йўналтирмоқ, ниқтамоқ, қадамоқ. *Афанди эса, бунинг аксини қилди ва бармоқларини ерга ўқтади.* «Латифалар».

ЎҚТИН-ЎҚТИН *рвш.* Бирмунча вақт оралатиб; баъзан-баъзан, гоҳо-гоҳо. *Зиёбек ўқтин-ўқтин орқага қарайди.* Н. Фозилов, Оқим. *Олисдаги тракторнинг овози ўқтин-ўқтин эшитилиб қўярди.* Т. Расулов, Шонли авлод. *Ўқтин-ўқтин тўхтаб, айрим туплардаги шоналарни эринмай санарди.* С. Нуров, Нарвон.

ЎҚУВ 1 Ўқимоқ фл. ҳар. н.; ўқиш.

2 Ўқиш ва ўқитиш билан боғлиқ бўлган, ўқиш ва ўқитишга тааллуқли. *Ўқув соати. Ўқув йили. Ўқув режаси.* ▬ *Илк кўклам ёғдулари ўқув корпусининг узун коридорларини равшанлаштириб юборган.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Куз келиб, янги ўқув йили бошланди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ўқув юрти *қ.* **юрт 2.**

ЎҚУВЧИ 1 Ўқимоқ 1 фл. сфдш. *Китоб ўқувчи бола. Бир оздан кейин ёнидаги журнал ўқувчи йигитга мурожаат қилди.*

2 Бирор ўқув юртида (асосан, мактабда) таълим олаётган шахс. *Етти йиллик мактаб ўқувчилари.* ▬ *Мактабнинг очилганига икки ҳафта бўлмай, ўқувчиларнинг сони ўттиздан ошиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ёш-ёш қизлар, ўқувчи болалар сафдаги йигитларга гулдасталар узатмоқдалар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Вақтли матбуот ёки адабиётнинг маълум бир турини мунтазам ўқиб турадиган шахс. *«Муштум» ўқувчилари.* ▬ *Газета ўз хатосини очиқ айтиб, ўқувчиларидан узр сўраса, обрўйи тушар эмишми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўқувчининг қимматли вақтини аяганимдек, қаламни ҳам бу ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЎҚЧИ 1 *тар.* Ёй ўқи тайёрлаш билан шуғулланувчи ҳунарманд, косиб.

2 Пиёда қўшинларнинг милтиқ, пулемёт, автомат билан қуролланган жангчиси, солдати. *Ўқчилар ротаси.* ▬ *Ўнг қанотда турган автоматчилар, ўқчилар бирдан кўтарилиб, олдинга ташландилар.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ЎҚЧИМОҚ *айн.* **ўхчимоқ.**

ЎҒИЛ 1 Эр жинсидаги бола. *Бола ўғилми, қизми?* ▬ *Бу қиздан бир бало чиқади. Ўнта ўғилнинг ўрнини босади.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ўғил бола 1) *айн.* **ўғил 1.** *Ҳовли эшигидан ёш-ёш ўғил ва қиз болалар чувуллашиб чиқишди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *кўчма с. т.* сахий, танти, мард, олийжаноб киши. *Тўрабой ака, гапимизни ерда қолдирмай келибсиз, бўлди! Ўғил бола экансиз, бошқа гап йўқ!* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. **Ўғил тўйи** *этн.* Ўғил болани тантана ва зиёфат билан суннат қилиш маросими. *Тўламат ўғил тўйи қилганда, у ҳам бел боғлаб, хизматини аямаган.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Эр жинсидаги фарзанд (ўз ота-оналарига нисбатан). *Ўқиган ўғил — отадан улуғ.* Мақол. *Ўғли борнинг ўрни бор, қизи борнинг қадри бор.* Мақол. ▬ *Комилнинг ўғли ота-онасини Тошкентга кўчириб кетибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Меҳмонни юқори ўтқазиб, дарҳол ўғлига дастурхон ёзишни буюрди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *(фақат 1-ш. эгалик қўшимчаси билан)* Фарзанди тенги шахсга нисбатан мурожаат шакли. *Чол бу бегона йигитнинг вазиятида тараддудланиш сезиб, қайтадан сўради: -Хўш, ўғлим, нима арзинг бор?* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ўғил (хотин-қизлар исми).

Гапнинг ўғил боласи *ёки* **ўғил бола гап** Энг маъқул тушган, энг тўғри, ҳаққоний гап. *Гапнинг ўғил боласини айтдингиз, оқсоқол. Мавлон ака сигирнинг сутини ичмайдиган одам, бузоқнинг ҳақи бор деб.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЎҒИЛЛИ Ўғли бор, ўғли бўлган. *Икки ўғилли ота.* ▬ *Маҳалламда уч ўғиллилар, беш ўғиллилар бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎҒИЛЛИК Ўғилга хос хислат, хусусият. *Қалин қор билан қопланган қабрга бошини қўйиб, Йўлчи товушсиз, лекин бутун ўғиллик муҳаббати билан узоқ йиғлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўғиллик қилмоқ 1) ўғилга хос бурчни ўтамоқ, фарзандлик бурчини адо этмоқ; 2) бировга ўғил ўрнида хизмат қилмоқ, ўғил ўрнини босмоқ.

ЎҒИЛСИЗ Ўғли йўқ. *Ўғилсиз киши.*

ЎҒИЛСИЗЛИК Ўғил туғмаганлик ёки кўрмаганлик, ўғли йўқлик. *Мадамин фақат ўғилсизликдан нолир, бўлмаса, ғам нима, ҳасрат нима — билмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎҒИЛ-ҚИЗ 1 Фарзандлар, болалар. [*Ўзбек ойим*] *Ҳатто ўғил-қиз ўстиришни билмагувчи Юсуфбек ҳожидан аллақанча юқориларда юрар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёш авлод, ёшлар. *Ғизиллашиб ўтишар, Ўғил-қизлар қувнашиб.* И. Муслим. *Баҳодир ўғил-қизлар отланибди сафарга..* Ё. Мирзо.

ЎҒИР Ўртасида қўл билан тутадиган тешиги бор даста ҳамда донни уриб туйиш, эзиб майдалаш учун ишлатиладиган ичи ўйиқ ғўладан иборат рўзғор буюми; кели. *Ўғир даста. Ўғирда буғдой янчмоқ.* ▬ *Баҳри ҳовли этагида, ўз ҳужраси олдида ўғир янчаётган эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЎҒИРЛАМОҚ 1 Ўзганинг нарсасини хуфиёна олмоқ, олиб кетмоқ; қонунга хилоф равишда ўзлаштирмоқ. *Ўғли.. рўзғорни яхшилаб, овқатларни мўл-кўл қила бошлабди. Отасининг пулини ўғирлаб, харажат қилаверибди-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

Зуҳур амаким складдан тахта ўғирлаб, қамалиб кетганлар. «Муштум».

2 Кимсани бошқаларга билдирмасдан, зўрлаб олиб қочмоқ. *Ҳасаналини болалик вақтида Эрондан киши ўғирлаб келувчи бир одам қўлидан Отабекнинг бобоси ўн беш тилла баробарига сотиб олган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсани «хуфиёна олмоқ», ундан айирмоқ, уни йўқ қилмоқ. *Жаҳолат ёмон нарса, айланай, одамнинг ақлини ўғирлаб, фожиага етаклайди.* «Муштум». *Алифдек қоматини сен букдинг, юзларига ажинларни сен солдинг, кўзларидан ажинларни сен ўғирладинг..* С. Аҳмад, Уфқ. *Домлага қўл уриш билан маҳалланинг файзини ўғирлаган.. бу аёлни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам.. бир ғазаб билан ёмон кўрар эди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

Гап ўғирламоқ Бошқаларнинг гапини тинглаб, билиб олмоқ, эслаб қолмоқ. *Ҳо-о, қачондан буён инсоф тарозисининг посангисига қараб тош босадиган бўла қолдингиз? Ёқмаса, бу ерда туриб гап ўғирлаб нима қиласиз?* С. Кароматов, Ҳижрон. **Жой ўғирламоқ** Керакли жойни банд қилмоқ, меъёрдан ортиқ жой эгалламоқ. **Фикр ўғирламоқ** 1) бировнинг мулоҳазасини ўзиники қилиб олмоқ; 2) бировнинг мулоҳаза юритишига халал бермоқ. *Анвар Раънога ўнгланиб ўтирди: -Фойдаси йўқ, энди фикрни ўғирладинг. [Раъно:] Мен фикр ўғриси эмасман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЎҒИРЛИҚ 1 Ўғирлаб қўлга киритилган, жиноий йўл билан ўзлаштирилган. *Ўғирлиқ мол. Ўғирлиқ ош баданга юқмас.* Мақол. ▬ [*Тўрахон*] *Ўғирлиқ пулларини бир неча йил маишатга, бузуқчиликка сарфлаган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *айн.* **ўғрилик.** [*Ёрмат:*] *Ўғирлиқдан бошқа ишни — жамики ҳунарни қилиб кўрдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нега айб менда бўлади, хола, мен ўғирлиқ қилибманми? Одам ўлдирибманми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎҒИРЛИҚЧА *айн.* **ўғринча**. *У* [*Салимхон*] *қачон бўлса ҳам, ўғирлиқча кўришга жазм қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Норматнинг дадаси Соҳиб қорига ёзган хатини чўнтагидан топиб, ўғирлиқча ўқиган ва яна ўз жойига қўйган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЎҒИТ Ернинг кучини, ҳосилдорлигини орттириш учун солинадиган, таркибида ўсимликлар учун зарур озиқ элементлар бўлган моддалар. *Минерал ўғит.* ▬ *Деҳқонлар бўрондан сўнг ғўзаларни диққат билан кўздан кечирдилар-у, дарҳол ўғит солиб, культивация қилиб, суғориш лозим, деган қарорга келдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Пахта учун ҳаммаси ҳам зарур.. ўғит ҳам зарур.* Уйғун, Навбаҳор.

Маҳаллий ўғит Гўнг ва чиқиндилардан иборат ўғит. *..чолларнинг кучи билан кечалари маҳаллий ўғит тўплатиб, далага ташиб турдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Юрагида ўғити бор *кам қўлл.* Ғайратшижоатли, ишчан одам ҳақида. *Юрагида ўғити бор йигит.* ▬ *Юрагингда Ўринбой отанинг ўғити бор-да!* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЎҒИТЛАГИЧ *қ. х.* Ўғит сочувчи мослама. *Экиш вақти келганда эса тракторга культиватор-ўғитлагич агрегати билан сеялкани тиркадим.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

ЎҒИТЛАМОҚ Ерни ўғит билан таъминламоқ, ўғит солмоқ. *Карталарни кетма-кет ўғитлаб, культивация қилаверинг, изма-из суғоринг.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ЎҒЛОН *кт.* **1** Эр бола, ўғил; фарзанд. *-Ўғлоним, ўс, яйра! — дер.* Қ. Муҳаммадий. *Беэга қилибди Булғор элини, Энди кесар икки ўғлон сарини.* «Эрали ва Шерали».

2 Ёш ва жасур йигит; қўрқмас, ботир. *Душман чиқса мендай ўғлон йўлига, Аямасдан бошин боғдай чаларман.* «Ёдгор». *Халқимиз ўзининг фидойи ўғлонларини ҳеч қачон унутмайди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 *тар.* Атоқли отлар билан келиб, шахснинг шоҳ, султон авлодидан эканлигини билдиради.

ЎҒОН *эск.* Худо, тангри. *..ўғоним гувоҳ, тилимни қимирлатмадим.* Ойбек, Навоий.

ЎҒРИ Ўғирловчи, ўғрилик билан шуғулланувчи шахс. *Ўғрини қароқчи урди.* Мақол. ▬ *Бир кеча.. қўрага иккита ўғри тушиб, қоровулнинг оёқ-қўлини боғлаб, оғзига тўппи тиқиб, учта сигир, иккита от, тўртта қўйни ҳайдаб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўғриларни ўлдирганда, Отабекнинг ёнида неча кишиси бўлган?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Гап ўғриси Ғаразли ниятда бошқаларнинг нима деяётганини билиб олишга, эс-

лаб қолишга тиришадиган шахс. *-Даюс, гап ўғриси! — деди Мели полвон. — Чап кўзинг ўнг кўзингга дўст бўлмайди-ю, кўпчиликка эл бўлармидинг?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўғри тутмоқ** Ўғри деб билмоқ, ўғри ҳисобламоқ. *Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма.* Мақол. **Ўғри қараш** Сездирмай, пинҳона қараш, ўғрилар каби назар ташлаш. *Атрофга ўғри қараш қилгандан кейин, бошқа эшикларни маҳкамлаб, секин ўрта эшикка қўл чўзди.* У. Исмоилов, Сайланма.

ЎҒРИБОШИ Ўғрилар тўдасининг бошлиғи. *-Асл зоти ўғри, ўғрибоши дегин, — деб илова қилди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЎҒРИВАЧЧА *сўк.* Ўғрининг боласи, ўғри авлоди.

ЎҒРИЛИК 1 Ўғри иши, ўғирлаш. *Ўғрилик қилмоқ.* ▬ *Ўғрилик қилган учун қўл кесиладир ва ё дорга осиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўғирлаш иши билан шуғулланиш. [*Ҳайдар:*] *Бу ўғриликкина эмас, қароқчилик — кундузлай халқнинг кўзи олдида йўлбосарлик.* С. Айний, Қуллар. *Ўғриликка ўрганган бўлманг тағин, яйловда юриб.* А. Мухтор, Чинор.

ЎҒРИНЧА *рвш.* Ҳеч кимга сездирмасдан, яширинча. *Шербек йўғон, ичи ковак толни паналаб тўхтади. Атрофга ўғринча назар ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мурзин эса ҳамон ўша тепалик орқасидан ўғринча қараб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Муллавачча чистонларни ўғринча ёзиб олганига Авазнинг гумони қолмади.* С. Сиёев, Аваз. *Чодир ичида бўлаётган гапларни ўғринча тинглаётган Маждиддин.. ўзини четга олади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *Умуман, Абулбарака ичкиликни ёмон кўрмас эди. То Парижга ўқишга кетгунча отасининг таъқибида бўлиб, ичса ҳам ўғринча ичиб юрди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ЎҒРИНЧАСИГА *кам қўлл. айн.* **ўғринча**. *Баъзи расво овчилар ўғринчасига иш тутмоқдалар.* «Муштум».

ЎҒРИНЧИ *айн.* **ўғринча**. *Тавба, ўз устахонамиз бўлсин-у, кўчама-кўча тиланчилик қилиб, ўғринчи материал қидирайлик..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Йигитлар бўлса, қизлар билан юзма-юз гаплашиш у ёқда турсин, ўғринчи туйнукдан, девор тирқишидан мўралаб қарашдан ҳам қўрқишарди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЎҒРИХОНА Ўғрилар яшайдиган, тўпланадиган, кўп оралайдиган жой. *Ахир, деворсиз ҳовли ўғрихона бўлиб кетди-ю.* Уйғун.

ЎҒУЗ Ўзбек халқининг генетик таркибига кирган қабилалардан бирининг номи; шу қабила аҳолисига мансуб. *Ўзбек тилининг ўғуз шеваси.*

ЎҲ *унд. с.* Қўрқув, оғриқ, ачиниш, нафратланиш каби ҳисларни ифодалаш учун қўлланади. *Ўҳ, биқиним ёмон санчди-ку!*

ЎҲЎ I *унд. с.* Таажжуб, ҳайрат каби ҳисларни ифодалайди. *-Ўҳў.. Культивацияни қойил қилиб юборибсиз-ку, Собиржон ака, — деди Сабохон.* А. Муҳиддин, Ҳадя. *-Ўҳў, — деди Сидиқжон, — жуда ўпириб ташлабсиз-ку!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЎҲЎ II *тақл. с.* Йўтал товушини ифодалайди. [*Ўроз:*] *Шошманг, бу дарди ҳарина оз-моз тутақсин. Пуф-пуф... Ўҳў, ўҳў, аҳ. Тутун жигаримни ҳам титиб юборди!* Ойбек, Танланган асарлар.

ЎҲҲЎ *айн.* **ўҳў** I.



ҚАБАРИНҚИ *айн.* **қаваринқи.**

ҚАБАРИҚ *айн.* **қавариқ.** *Қора атлас кўйлагини туртиб чиққан қабариқ кўкраги бекни телба қилар даражада ўйнаб турибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳис овлаган хотирам гўё Нур тўпловчи қабариқ шиша.* Ҳ. Шарипов.

ҚАБАРМОҚ *айн.* **қавармоқ.** *Унинг ингичка бели, чинни каптар кўксидек қабариб чиққан кўкси, йўғон сочлари шундай кўриниб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Раҳматилланинг оёқлари қабариб, қонталаш бўлиб кетибди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *..кўзларининг милки бир оз қабарган.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ҚАБАРЧИМОҚ *айн.* **қабармоқ.** *Ишладик, ишладик тўкиб маржон тер, Қўллар қабарчиди ва бўлди қадоқ. Қўллар қабарчиса.. қилма хавотир, Меҳнат билан кетар юракдаги доғ.* Х. Салоҳ, Тошкент билан суҳбат.

ҚАБЗ [*а.* قبض – олиш; тутиш; сиқимлаш, тутамлаш; тўхтатиб қолиш] *айн.* **қабзият 2.** *Қабз ўлмоғимга боис ҳажринг ҳужуми эрмиш.* Увайсий.

ҚАБЗА [*а.* قبضه – чангал; ҳовуч; тутқич, даста; қўлга киритиш] **1** Тутқич, даста. *Маҳкам дарҳол ичкарига кириб, эшикнинг қабзасидан тортди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Аҳмаджон пулемётнинг қабзасини маҳкам ушлаган ҳолда.. душманни кузатар, афтидан, шеригининг сўзини эшитмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бир кафт тутимига тенг узунлик ўлчови. *Теша сопи одатда 4–5 қабза, кетмон сопи эса 12–15 қабза бўлади.*

3 Тутам, даста. *Бир қабза пиёз.* ▬ *Ойниса бедадан бирор қабза олиш у ёқда турсин, ҳатто назар солгани қўрқарди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҚАБЗИЯТ [*а.* قبضيّت – қисилиш; тўхтаб қолиш; ич қотиш] **1** Ич қотиши, узоқ вақт ич келмаслиги ёки қийинчилик билан келиши. *Эчки гўшти ҳам парҳез, уни қабзият бўлганда ейилса, ични суради.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Қабзият вақтида истеъмол қилинган овқат моддалари ичакларда узоқ – бир неча кун туриб қолади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 *эск.* Диққат ошган, юрак сиқилган ҳолат; дилгирлик. *Тошкент Ўрта Осиёнинг энг жонли бир шаҳри.. томоша қилиб, вақтингни чоғ қилиш мумкин, бироқ менда нимадандир диққатлик, қабзият ҳамма ёғимни ўраб олган.* «Муштум». *Мен аламзада шўрликни оғир қабзиятда кўрган кампир.. «туркотаровватингизни кўриб, ҳар куни чорак этдан тушяпман», деб мени бисёр тангликка солди.* Ғайратий, Довдираш.

ҚАБЗИЯТЛАНМОҚ *эск.* Диққат бўлмоқ, диққатчилиги ошмоқ. *Ортиқ даражада қабзиятланган Ёқуб ота ҳаммани койиб ташлади..* Ҳ. Шамс, Душман.

ҚАБЗЛАНМОҚ *айн.* **қабзиятланмоқ.** [*Онаси қабзланиб:*] *Э болам, кўнглингиз эр тилар ўхшар, ошиқманг, ошиққан қиз эрга ёлчимас.* Гулханий, Зарбулмасал.

ҚАБИЛ [*а.* قبيل – нав, хил; тарз, йўсин] Ў.-п. к. ва ч.к. шаклида кўмакчи вазифасида қўлланади: **қабилида** Қиёс, ўхшатиш муносабатини билдиради; тарзида, йўсинда.

Раиснинг «Қўрққан олдин мушт кўтарар» қабилида қилган ҳозирги ҳаракати ўтирганларга ёқмади. С. Маҳкамов, Шогирд. *Ақли бор одам, фақир киши панада, қабилида ўзини бир четга олиб, ишини ўхшатиб юраверади.* В. Ғофуров, Вафодор. *Сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилида иш тутиш — энг хавфли мараз.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Қабилидан** 1) *кам қўлл. айн.* **қабилида.** *Еган оғиз уялар, қабилидан Ўзбек ойим ҳам муомалани қудаларга қилди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу том ва деворлар гўё.. «бўлса — бўлар, бўлмаса — ғовлаб кетар» қабилидан қилиб, омонатгина қўнқайтириб қўйилгандек кўринади.* Ҳ. Шамс, Душман; 2) от ёки отлашган сўзлар билан қўлланиб, ўхшатиш, қиёс маъносини билдиради; каби, сингари. *Қоравой полвон улар қабилидан эмас, сиёсатдан ҳам оз-моз баҳслашар.. эди.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Қобил ака ўзини сенсираб, тракторини сизсирайдиганлар қабилидан.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚАБИЛА [*а.* قبيله — авлод, насл; уруғ] **1** Уруғ-аймоқ, бир ота-онадан тарқаган бир неча гуруҳ уюшмаси, этник бирлик. *Турк қабилалари.* ▬ *..шаман ва мажусий қабилалари кўп обидаларни ер билан яксон қилганликларини устоздан суҳбатда эшитган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Тарихий маълумотларга қараганда, бу ердаги қабилалар Америкага европаликлар боришидан анча илгари картошка экиб, ҳосил олишган.* «Фан ва турмуш».

2 Насл-насаб жиҳатидан бир хил бўлган кишилар тоифаси, гуруҳи. *Хўжалар қабила жиҳатидан тўртга бўлинардилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚАБИЛАВИЙ [*а.* قبيلى / قبيله‌وى — қабилага оид, алоқадор] Қабилага оид, қабилаларга хос бўлган (*қ.* **қабила 1, 2**). *Қабилавий низолар. Қабилавий урф-одатлар.*

ҚАБИЛАДОШ Бир қабилага мансуб бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан). *Жанобларига хайрихоҳ бўлганим учун қабиладошларимдан қаттиқ ситам кўрдим.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ҚАБИЛАЧИЛИК Кишилар қабила-қабила бўлиб яшаган жамият; кишиларнинг қабилаларга бўлиниб яшашига асосланган ижтимоий тузум. *Қабилачилик даврини ўтказаётган халқларда динлар ҳам бошқача, қурбонликлар ҳам ўзгароқдир.* Газетадан.

ҚАБИҲ [*а.* قبيح — жирканч, ярамас; дағал; қўпол; ахлоқсиз] Ахлоқ-одоб, инсонийлик қоидалари талабига зид; жирканч, разил, ярамас. *Қабиҳ иш. Қабиҳ одам.* ▬ *Ғуломжон бу қабиҳ найрангбозликдан қаттиқ ғазабга келса-да, ўзини оғир тутиб, оғир сўзлашга ҳаракат қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ичкиликбозлик кўплаб қабиҳ жиноятлар манбаидир.* Газетадан.

ҚАБИҲЛАШМОҚ Тобора қабиҳ, разил бўлиб бормоқ, қабиҳлик, разиллик йўлига ўтмоқ; разиллашмоқ.

ҚАБИҲЛИК Қабиҳ, ярамас иш, хатти-ҳаракат, қилмиш. *Ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган одам.* ▬ *Мақсад — юракларга солишдир рахна Мудҳиш қабиҳликнинг кирдикоридан.* Ж. Жабборов. *Ўзингиз биласиз, [Бергер] ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайдиган одам.* А. Мухтор, Чинор.

ҚАБЛ *қ.* **қабил.** *Саломатми? Тетикми? Руҳи қалай? Дилшод ҳам худди шу қаблда жавоб қилди: саломат, тетик, руҳи жуда баланд.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАБЛАЛМИЛОД [*а.* قبل‌الميلاد — милоддан аввал(ги)] *эск. кт.* Милодгача, янги эрагача, милоддан олдинги.

ҚАБЛАТТАРИХ [*а.* قبل‌التّأريخ — тарихдан аввал(ги), қадимий] *эск. кт.* Жуда қадимий, ёзув ва ёзма ёдгорликлар, ёзма асарлар майдонга келмаган даврга оид.

ҚАБО [*а.* قباء — устки кийим, чакмон] *эск.* Узун ва кенг устки кийим. *Хонзода бегимнинг нафис қадди-қомати, ипак матодан кийган камалакдай товланувчи қабоси Аҳмад Танбалга бугун ҳар қачонгидан ҳам жозибали кўринади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАБОҚ *эск. қ.* **қовоқ** II. *Сўз сўзласа, қабоғингни уясан..* «Муродхон». *Қабоқлари кенг-кенг, оғизлари тор.* Лутфий.

ҚАБОҲАТ [*а.* قباحت — қабиҳ иш, қабиҳлик, разиллик; беадаблик] **1** *от* Қабиҳ иш, ярамас хатти-ҳаракат; қабиҳлик. *«Қандай пасткашлик, қандай ярамас қабоҳат! Шу маҳалгача сезмаганимга ҳайронман!» деб ўйлади Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Интизор ҳар уй диловар, Дилкушолар базмига, Гар оёқ қўйса қабоҳат, Йиғлагай остона ҳам.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 *сфт.* Қабоҳатли, разил, қабиҳ. *Қабоҳат иш.* ▬ *Бозорнинг устини туман олибди, Одамларга қабоҳат кун бўлибди.* «Очилдов». *Бу қабоҳат қирғин поёнига етмай, давлатпаноҳ аъёнлари қуршовида жар ёқасида қатор тизилган ўлим дорлари томон юрди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ҚАБОҲАТЛИ Қабоҳат билан тўлибтошган; қабиҳ, разил, ифлос. *Неча вақтлар бўлди, тентираб юрган, Қабоҳатли қаттиқ кунлар кечирган.* «Ойсулув».

ҚАБР [*а.* قبر – гўр] Одам ўлиги (мурдаси) кўмиладиган ёки кўмилган махсус жой; гўр. *Чинорли мозорда хўп меҳрибон, хўп дилкаш одам – Бобоқул отанинг қабри бор.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу қабрларда дорга осилган Низомиддин ва унинг олти ўртоғи.. ётгандай бўлиб кўринарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАБРИСТОН [*а.* + *ф.* قبرستان – қабрлар, гўрлар макони; мозор, гўристон] Марҳумлар дафн қилинадиган махсус жой; гўристон. *Шу куни отасининг мозорига бориб, шам ёқди, қабристондаги шайхларга назр берди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

ҚАБРТОШ Қабр устига ўрнатиладиган, мармар, харсангтош ва б. материалдан тайёрланадиган ёдгорлик. *Борса-келмас эврилди – Эримадинг сен. Қабртошлар тирилди – Эримадинг сен.* Э. Шукур, Ҳамал айвони.

ҚАБУЛ [*а.* قبول – маъқуллаш; ижозат бериш; битишув, розилик] **1** Таклиф, илтимос ва ш.к. га билдирилган розилик, маъқуллаш. *Қабул жавоби.* ▬ *Кумуш қабул ифодасини бергандан сўнг, қушбеги даҳлизда қараб турган қўрбошига: -Кирсинлар, – деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Завқ-сафони тезроқ тотишга интилган Мирзакаримбой эътироз қилса ҳам, ниҳоят, қабулга* [*никоҳни кечиктиришга*] *мажбур бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бериладиган, тақдим этиладиган, топшириладиган нарсани олиш; қабул қилиш. *Хирмонлар донга тўлиб, ғалла ортган автомашиналар карвони қабул пунктлари томон шошилмоқда.* Газетадан. *Бойсунқур мирзо мадраса қурилишини ниҳоясига етказиш ва тантанали қабул маросимларини ўтказишларига раҳбарлик қилишни устод Қавомдан илтимос қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Ишга, ўқишга, аъзоликка, сафга, қаторга ва ш.к. га олиш, ўтказиш, қўшиш. *Институтга қабул бошланди. Курсга қабул тўхтатилди. Қабул имтиҳонлари муваффақиятли ўтди. Қабул комиссияси ишга тушди.* ▬ *-Бу йилги қабулга менинг ҳам бир оз алоқам бор, – деди у.. – ҳаракат қилиб кўришим мумкин.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Суҳбатлашиш, арз ёки шикоятни тинглаш, кўриш ва ш. к. мақсадларда кимса ҳузурида бўлиш, ҳузурига чақириш ёки қўйиш. *Қабул маросими. Қабул соатлари. Бошлиқ қабулида бўлмоқ.* ▬ *Фаттоҳ Ўлмасбеков бугунги қабулни бир амаллаб тугатди-ю, аммо ўзи ҳам букчайиб қолгандай бўлди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Куннинг иккинчи ярмида Ойқизнинг қабул вақти эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Врач қабулига биринчи бўлиб ёзилай, деб хўроз қичқирмасдан келгандим.* «Муштум».

5 Эфир тўлқинларини ўзига олиш, ушлаш, тутиш. *Қабул қилувчи аппарат. Радиостанция маълумотларни бериб бўлгач, қабулга ўтди.*

Даргоҳида қабул қилмоқ *эск. кт.* 1) ҳузурига киритмоқ, қўймоқ; 2) *дин.* ижобат қилмоқ. *Бемор.. кўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пичирлади: -Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳида қабул қилди.* А. Қаҳҳор, Бемор. **Қабул қилмоқ** (*ёки* **этмоқ**) 1) рози бўлмоқ, кўнмоқ; маъқул деб топмоқ, қўшилмоқ. *Таклифни қабул қилмоқ. Шартини қабул қилмоқ. Узрни қабул қилмоқ.* ▬ *..бизларнинг бу раъйимизга қарши тушиб, ҳарчанд рад қилса ҳам, ниҳоятида онасининг сўзини ерда қолдирмаслик учун қабул қилган эрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) олмоқ (тақдим этилган, топширилган нарсани). *Қиз гулдастани қабул қиларкан, мастона кўзларини йигитга тикди.* Газетадан. *Пахтани ўз вақтида қабул қилиш, тозалаш, авайлаб-асраш.. ниҳоятда зўр масъулиятни талаб қилади.* Газетадан; 3) ўз қаторига, сафига олмоқ. *Партияга қабул қилмоқ.* ▬ *Азизим.. Сиз санъаткорлар оиласига қабул қилиндингиз.* «Муштум»; 4) ҳузурида бўлишга рухсат бермоқ, киритмоқ. *..бу оғирлик бурундан сармунший бўлган кишининг устидаги қонуний вазифа бўлиб келганликдан кишиларни уйда қабул қилишга Анвар мажбур эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 5) муҳокама этилган масала юзаси-

дан якуний, хулосавий тўхтамни белгиламоқ, шундай тўхтамга келмоқ. *Қарор қабул қилмоқ. Резолюция қабул қилмоқ. Табрикнома қабул қилмоқ.* ▬ *Бу масала юзасидан қарор қабул қилингандан кейин, иккинчи масалага ўтилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 6) эфир тўлқинларини тутмоқ. *Космик кема локатори ҳаракатга келиб, тезгина тўғриланиб олди-да, радиодан берилаётган сигналларни қабул қила бошлади.* Газетадан; 7) бирор гап ёки нарсани ўзи бирикиб келган сўз ёки жумла билдирган маънода инобатга олмоқ, тан олмоқ маъносини билдиради. *Ҳазратим, берган ўгитингизни бебаҳо гавҳар ўрнида қабул қилурмиз..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мулла Фазлиддин Хонзода бегимнинг мақтовини ишга оид оддий гаплардек қабул қилмаса, кўнглидаги нозик ҳисларни сездириб қўйса, ўн жонидан бири ҳам омон қолмаслигини сезди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 8) бирор мазҳаб ёки динга кирмоқ, ўтмоқ. *Ислом динини қабул қилган халқлар.*

ҚАБУЛХОНА [қабул + хона] **1** Расмий идораларда иш билан келувчилар навбат кутиб ўтирадиган ёки қабул қилинадиган хона. *Фаттоҳ Ўлмасбеков йўлакдагилар олдидан қошларини чимириб ўтди-ю, қабулхонага кирди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Шербек суриштириб юриб, Зоология институтини топиб олди. Тўғри директор қабулхонасига кириб борди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *тар.* Қаровсиз қолган болалар уйи; етимхона.

ҚАВАРИЛМОҚ *кам қўлл. айн.* **қавармоқ.** *Салим баққолнинг қора, чўтир юзлари.. думалоқланиб, қаварилиб чиққан бурни.. ҳеч кимга ёқмайди.* Уйғун, Турсуной.

ҚАВАРИНҚИ *кам қўлл. айн.* **қавариқ 3**. *Бир томони қаваринқи линза.*

ҚАВАРИШ Турли механик таъсирлар натижасида баданнинг бирор соҳаси терисига шикаст етиши (кўпинча оёқ бармоқлари, товони, қўлнинг кафти ва панжаларида юз беради).

ҚАВАРИҚ 1 *от* Узоқ ишлаш, ишқаланиш ва б. сабаб билан терида ҳосил бўлган шиш, пуфак. *Қўлдаги қавариқлар.*

2 *сфт.* Шиш, пуфак ҳосил бўлган; қаварган. *Дарё қизга эркалангандек, тўлқин кўтариб қирғоққа чиқар ва унинг қавариқ оёқларини ялаб кетар эди.* «Ёшлик».

3 Гумбазсимон бўртган; бўртиб чиққан. *Қордай оппоқ яктагининг ёқасидан ҳабашларникидек қора қавариқ кўкраги бўртиб чиқиб турарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҚАВАРИҚЛИ Қавариғи, қавариқлари бўлган, қавариқлар билан қопланган. *Қавариқли темиратки. Қавариқли шиш.*

ҚАВАРМОҚ 1 Ишлаш, ишқаланиш ёки куйиш натижасида қавариқ ҳосил бўлмоқ. *Кун бўйи кетмон чопиб, қўлим қаварди.* ▬ *Менинг ҳам дастёрчилик қилавериб, оёғим қаварди.* Ойдин, Фонарь тагида. *Бетон қориш машинасини айлантириш вақтида қавариб кетган қўллари зирқирарди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

2 Туртиб чиқмоқ, бўртиб турмоқ. *Иккисининг.. бўйин томирлари арқондай қаварган, билак пайлари темирга айланган.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Етилиб, пишиб, яққол сезилиб бўртиб турмоқ. *Меҳмонни кузатиб қўйганидан сўнг Ганжанинг кўнглида қавариб турган ўт бирданига ловуллаб кетди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Кўкси (*ёки* **юрак-бағри, кўнгли**) **қаварди** *с. т.* Қаттиқ хафа бўлди, ранжиди, кўнгли ўксиди, оғринди. *Гапи қурсин, юрак-бағрим қаварди, Гўрўғлига бориб, бергил хабарди.* «Гўрўғли». *Закот деди, ўн тўрт маҳрам буюрди, Маҳрам келиб, менга берди хабарди, Закот деган гапга кўнглим қаварди.* «Алпомиш». **Оёғи қавармоқ** Юравериб, қатнайвериб чарчамоқ. **Тили қавармоқ** Гапиравериб чарчамоқ. *Йигит қўлини силтади: -Запчасть [эҳтиёт қисмлар] деявериб, тилларимиз қавариб кетди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ҚАВАРТИРМОҚ 1 Қавармоқ фл. орт. н. *Юравериб, оёқни қавартирмоқ.* ▬ *Замбил қўлингни қавартирган бўлса, қопда орқала.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Эркакларнинг кўзлари ғазабдан чақчайган, бўйин томирларини қавартириб, бўғилиб бақиришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Муболаға қилмоқ; бўрттирмоқ. *Нури эрдан кўнгилсиз эди. Айниқса, кейинги кунларда эрининг қусурини ўз хаёлида ғоят қавартириб юборди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАВАРТМА *айн.* **қавариқ 1**. *Агар ташқи томондан қаралса, ўпка пуфакчалари ярим*

доира кўринишидаги қавартмалар билан қопланган бўлиб кўринади. «Анатомия».

ҚАВАРЧИҚ Майда қавариқ.

ҚАВАТ 1 Қат-қат нарсаларнинг ҳар бир қати, қатлами ва уларнинг ораси. *У дўппини тахлаб, кўрпанинг қаватига қўйди.* ▬ *Қават-қават мармарни кўрганмисан? Гўшти ўшандай бир қават ёғ, бир қават гўшт бўлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Саккиз қават кўрпада оёғини узатиб ётган кексаларнинг бел боғлаб, далага чиқиши бошқаларга ўрнак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ахир у* [*Майна*] *игнанинг тешигидан етти қават осмонни кўрадиган мерган. Элу юрт орасида унинг таърифи зўр.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Хоналари устма-уст солинган биноларнинг бир баландликдаги хоналардан иборат қисми, қатори. *Бинонинг бешинчи қавати. Остки қаватда яшамоқ.* ▬ *Баширжон қават навбатчисидан калитни олиб, ўз номерига кирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 Устма-уст жойлашган токча, полка ва ш.к. нинг ҳар бир поғонаси. *Мунисхон жавонлардан бирини очиб, унинг юқориги қаватидан бир тўп сурат олди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 *с. т.* Ён, қатор, саф. *Отамиз бизни қаватларига олиб, деҳқончилик қилдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мана, йигитлардан сўра, даштда денгиз яратаётганлар шулар. Ўғлинг ҳам шулар қаватида.* Ҳ. Назир, Сув гадоси – оқпадар.. *Ўн учга кирган акам Солижон онам қаватларига кириб қолди.* Газетадан.

5 Ип ва ш.к. га тизилган нарсаларнинг ҳар бир тизими; шода. *Маржон шодасининг уч-тўрт қавати узилиб кетган, ўша узуқ шодалардан марварид доналари худди кўз ёшидай ерга томиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза.

6 *кам қўлл.* Марта, карра. [*Холисхон:*] *Ҳаммаси эсимдан чиқиб, минг қават тағин ғайратландим.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

7 Сидра. *Шоҳим бир-икки қават эски кўйлак-иштондан бошқа нарсаси бўлмаган бўқчани устига керосин тўкиб ёндирмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

ҚАВАТИГА *рвш. с.т.* Қаторасига, аралаш. *Қаватига ҳаммани койийвермоқ.*

ҚАВАТЛАМОҚ 1 Қават-қават қилиб термоқ, тахламоқ ёки букмоқ. *Кўрпани қаватламоқ. Чалпакни қаватламоқ. Газеталарни қаватлаб тахламоқ.* ▬ *Арабхон бегим шоҳи-атлас кўрпачалардан иккитасини танча тўрига қаватлаб солди.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Ип, каноп ва ш.к. нарсаларнинг бўлакларини, қатларини ёнма-ён тизиб, ёндаштириб ёки букиб йўғонлаштирмоқ. *Канопни қаватлаб эшмоқ.* ▬ *Сафархалтадан йўл учун олинган ипни олти қаватлаб пишитиб, кўрпа қавиқ нина билан каллани ўз жойига қўйиб тика бошладик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚАВАТ-ҚАВАТ 1 Бир неча қаватдан, қатламдан ташкил топган, бир неча қаватга эга бўлган; қат-қат. *Қават-қават тоғ жинси.* ▬ *Дурагайларда думба ёғи баданига уриб кетади. Қават-қават мармарни кўрганмисан? Гўшти ўшандай бир қават ёғ, бир қават гўшт бўлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Қаватлаб тахланган, терилган ёки букланган. *Қават-қават кўрпа.* ▬ *-Неча марта кўргансан, келган куни кўрсатдимку, – деди Эрали қават-қават қилиб букланган хатни сержантга узатаркан.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Қатор-қатор тизилган, тортилган, ёнма-ён турган, қўйилган (узун ва ингичка нарса ёки чизиқлар ҳақида). *Қават-қават қилиб пиширилган ип.* ▬ *У йўлда бораркан, қават-қават тиканли симлар билан ўралган цехларнинг қўриқчилари ундан пропуска сўрай бошладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАВИМА Орасига пахта солиб қавилган. *Қавима кўрпа. Қавима шим.*

ҚАВИМОҚ Авра-астари орасига пахта солинган нарсаларни икки томонга ипни ўтказиб тикиб чиқмоқ. *Тўнни қавимоқ. Пахтали шимни қавимоқ.* ▬ [*Қосимжон*] *Уйга келганда, ойиси айвонда кўрпа қавиб ўтирарди.* Ў. Умарбеков, Она.

ҚАВИҚ 1 Чок тури; қавиладиган нарсалар (тўн, дўппи, кўрпа ва ш.к.)нинг икки томонига ўтказиб тикилган чоки. *Йирик қавиқ. Гулдор қавиқ.* ▬ *Эъзозхон паранжи ичидан бошини кўтариб қаради, Раззоқнинг ихчам кирза этигини, майда қавиқ пахталик шимини кўрди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Қавиш иши. *Қавиқни ўрганмоқ.* ▬ *Унсин хола қизининг уч янги кўрпасини қоплаб, қавиқдан чиқарди.* А. Ҳайитметов, Унсин хола. *Қўлига игна киргани баҳона бўлдию, юрагига сиғмаётган қавиқни ҳам йиғиштириб қўйди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ҚАВИҚЧИ Қавиш иши билан шуғулланувчи одам. *Моҳир қавиқчи.*

ҚАВЛ [*а.* قول – сўз, гап; мулоҳаза, фикр] **1** *кам қўлл.* Лафз, сўз. *Қавли йўқ одам.* ▬ *Ўламан деб мард қавлидан тоярми?* «Равшан».

2 *эск. айн.* **эътиқод.**

ҚАВМ [*а.* قوم – халқ, миллат; кишилар тўдаси, гуруҳи] **1** Бир авлоддан тарқалган, ўзаро қариндошлик муносабатлари билан боғланган кишилар бирлашмаси; уруғ, аймоқ, қабила. *Гарчи сизнинг қипчоқ қавмига мансубиятингиз бўлса ҳам, Мусулмонқулни ҳайдашда бизга унутилмаслик.. хизматлар қилдингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *дин.* Бир масжидда ибодат қилувчи кишилар, бир масжиднинг намозхонлари ва уларнинг ҳар бири. *Жиловхонада намоз кутиб ўтирган қавмлар ичида Самад бўқоқ, Шукур сўфилар ҳам кўринар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..хатна тўйига етти мачит қавмини таклиф қилган бўлса, маҳалла учун жонкуяр Маҳкамбой терисига сиғмай қоларди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

3 Кишиларнинг маълум бир иш ва б. жиҳатдан бўлган бирлиги, гуруҳи; тоифа. *Ҳалиги қавмдаги муаллифлар энди ошкора ошна-оғайнигарчилик, лўттибозлик, гуруҳбозлик.. йўлига ўтиб олдилар.* Газетадан. -*Мен бир ожиз фуқаронгизман, – деди у дарҳол, – аҳли шуаро ила фузало қавмига кўрсатган иноятларингиз таҳсинга сазовордир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 (*3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида –* **қавмида**) «Қаторида» маъносини билдиради. *Менга-ку жаноза ўқийдиганлар топилади. Аммо сенлар тўнғиз қавмида кетасанлар.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. *Зокир темирчи ғозийнинг қиличидан ўлган, шунинг учун ҳам у кофир қавмида кетган эмиш.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАВМ-ҚАРИНДОШ, қавму қариндош Узоқ-яқин қариндош-уруғ, хеш-ақрабо. *Ўрмонжон.. Баҳрободдаги уй-жойини, қавм-қариндошини, ёр-дўстини ташлаб келиб, биз билан жафо чекиб ўтирибдими, баракалла!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАВОМ [*а.* قوام – мадад, таянч; маъно, моҳият; қавмлар] **1** Қавм; қавмлар. *Хумсон ҳам расво бўлди дегин.. у манзилларнинг қавоми инсофли эди-ку?!* Ойбек, Болалик.

2 Қавом (эркаклар исми).

ҚАВРАК Қир-адирларда эрта баҳорда униб чиқадиган ўтсимон кўп йиллик ўсимлик ва унинг ёш пайтида ейиладиган ўзаги. *Ҳар ер-ҳар ерда қаврак ўсимлиги танаси бошқа ўсимликлардан баланд кўтарилиб туради.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

ҚАВС I [*а.* قوس – камон, ёй; равоқ; тиниш белгиси] Ўзбек тилида кенг қўлланадиган, икки элементли (қўшалоқ), асосан, гап ўртасида ва охирида ишлатиладиган чегараловчи тиниш белгиси. *Кичик қавс. Ўрта қавс. Катта қавс. Қавсга олмоқ. Қавсдан чиқармоқ. Қавс ичида берилган изоҳ. Қавс ичидаги математик ифода.*

ҚАВС II [*а.* قوس – Ўқ-ёй буржи] **1** (*А - катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Ақраб ва Жад(и)й буржлари ўртасида жойлашган (*қ.* **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи (22 ноябрь – 21 декабрь орасидаги даврга тўғри келади). *Қавс суви – дардга даво, Қуёш, ҳаво – танга даво.* Мақол. ▬ *Бизда мезон, ақраб ва қавс ойлари қуруқ бўлиши керак, бўлмаса, кузги ҳосилни, айниқса, ғўза-пахтани йиғиштириб ололмаймиз.* С. Айний, Қуллар.

ҚАВСОБ [*а. + ф.* قوساب – қавс суви] Қавс ойида, яъни ноябрь охири – декабрь бошларида ерни суғориш учун бериладиган сув; қавс суви. -*У ҳам, – деди бригадир, – кузда шудгор қилинган, қавсоб, чиллаоб берилган, гўнгли тупроқ солинган.* С. Айний, Қуллар.

ҚАВЧИН Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. *Қишлоқ одамлари олчин, паритўп, қавчин.. дея аталмиш уруғ-аймоқларга бўлиниб олишади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҚАД(Д) [*а.* قد – бел, қомат; ўлчам, миқдор; ўлчов] **1** Бўй-баст, гавда бичими; қомат, сумбат. *Қадди келишган одам. Қадди букилган чол.* ▬ *Ғуломжон.. чиройли қаддини букиб, онаси устига энгашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Соқолининг оқлигига қарамасдан, унинг қаддида кексалик аломати сезилмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олимов.. қадди барваста, семизгина киши эди.* Ҳ. Назир, Сўнгги чақмоқлар.

2 Тананинг оёқлардан юқори қисми, гавда. *Костюм ҳали бўйига нисбатан ингичка бўлган қаддига кенглик қилди, кўкраги бир оз халта бўлиб, ёқаси кўчиб турибди.*

П. Қодиров, Уч илдиз. *Бек қаддини ёстиқ устидан кўтариб, Комилга жилмайиб қаради.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Киши ва нарсаларнинг бўйи, баландлиги. *Ўн кунлик меҳнат орқасида ҳар томони беш газли ва қадди уч ярим газли бир ҳужра ҳосил бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Энди у озди, соқоллари ўсди, юзи қорайди.. қадди чўзилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Хирмонлар қаддини кўкдан оширинг..* Ғ. Ғулом.

Қад кўтармоқ 1) бўй чўзмоқ, ўсмоқ. *Райҳонлар қад кўтариб, ҳид сочди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Муроталининг ҳовлисида қад кўтарган ўрик бутун қишлоқда мавжуд бўлган дарахтларнинг энг каттаси ва чиройлиси эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) тикланмоқ, қурилмоқ. *Клуб деворлари кун эмас, соат сайин қад кўтара борди.* «Муштум». *Уч ҳафта ичида ғиштин сардоба ердан икки-уч газ қад кўтариб, узоқ-узоқлардан кўзга ташланадиган бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳар ер-ҳар ерда.. кабоб, сомса, палов пиширадиган ошхоналар тезда қад кўтариб, ишга тушди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Қад ростламоқ** *айн.* **қаддини ростламоқ 2.** *Бинокор қадами етган жой тез обод бўлади, улкан завод-фабрикалар қад ростлайди.* Газетадан. **Қадди расо** 1) *қ.* **расо.** *Қадди расо йигит;* 2) тик ўсган, адил. *Қадди расо тераклар.* **Қаддини кўтармоқ** *айн.* **қаддини ростламоқ.** *Супада ёнбошлаб ётган йигит қаддини кўтариб, атрофга қаради.* ▬ *-Қаддини кўтаргунча, заводчи бойлардан солиқ олинмасин, — деди.. Ёлмонбой.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Қаддини ростламоқ** 1) қаддини тик, меъёрий ҳолатга олмоқ. *Қурбон ота энгашиб, самоварнинг остига сим тиқаётган эди, қаддини ростлаб, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..пулларни кўрпачага узала тушиб, ҳузур қилиб хаёлан санаб ётган Пошша хола Лаълига кўзи тушди-да, қаддини ростлади.* Д. Нурий, Осмон устуни; 2) *кўчма* ўзини тутиб олмоқ. *Гарчи қаддини ростлаб олган бўлса ҳам, ҳали ёш, ёмғирда қолган ғўзалар Муҳиддиннинг кўз ўнгидан ўтарди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди; 3) иш, аҳвол-шароитни яхшиламоқ, дуруст ҳолга келтирмоқ. *Шаҳар бозорида отаси берган пулни сармоя қилиб, дўкон очган Тожи савдосотиқни авж олдириб, қаддини ростлай бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАДАЛМОҚ 1 Қадамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Бу йил уруғ барвақт қадалди. Кўкракка қадалган қатор орденлар.* ▬ *Ҳамманинг кўзи қора чарм қопланган эшикка қадалган.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

2 Кўзини тикмоқ; тикилмоқ. *Сочларини ёйиб, ўқдай қадалди..* К. Яшин, Ҳамза. *Чол ўғлига қадалиб олганди..* «Шарқ юлдузи». *Валижон.. биллур тошлар орасидан қайнаб чиқаётган тиниқ сувга қадалиб, хиёл жим қолди.* О. Ёқубов, Ларза.

3 *Юрмоқ, турмоқ* каби баъзи сўзлар билан қўлланиб, қимирламай шу сўзлар англатган ҳолатда бўлиш маъносини билдиради. *..бу ерда қолган кишилар стулларга михлаб қўйилгандай қадалиб ўтиришларидан шахсий ишлари кўриладиган кишилар эди.* И. Раҳим, Ихлос. *..мажҳул киши юзини ойдинга бериб, хароба уй остида қадалиб турганликдан унинг ким эканлигини таниш осон эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бемор бир оздан сўнг чой сўради. Кейин яна қадалиб ётаверди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ҚАДАМ [*а.* قدم — оёқ кафти, товон; оёқ, одим] **1** Юриш жараёнидаги ҳар бир оёқ ташлаш, оёқ босиш; одим. *Илдам қадам. Шахдам қадам.* ▬ *Очил «бу гапларнинг менга алоқаси йўқ», дегандай қилиб, қадамини тезлаштирди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ёнидаги қорабайир буни сезди шекилли, бир неча одим ўтиб, қадамини секинлаштирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шу вақт болохона нарвонида гурс-гурс қадам товуши эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *-Мардонқул ака, — деди у бошлиқнинг юришига қадамини мослаб..* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Саодатхон бир-икки қадам босиб, яна орқасига қайтди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Ҳар бир қадам оралиғига тенг масофа, оралиқ масофа. *-Ассалому алайкум, — дедим остонадан бир қадам нарида туриб.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Содиқ аминнинг капаси унгурдан юз қадамча ғарбда, тоғнинг соябон бўлиб осилиб тушган каттакон тоши остида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Иш-фаолият, ривожланиш ва ш.к. да олға силжиш, илгарилаш. *Ўртоқ Аҳмедов, бу тажриба пахта агротехникасида олға қўйилган катта қадам, дейди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 *кўчма* Бирор жой, томонга қаратилган, йўналган юриш; ташриф. *Унинг бу ердан қадами узилди (кесилди). У бизникига қадам босмай қўйди.* ▬ *Агар қадамимни бой сезиб қолса, Гулнорнинг аҳволи оғирлашмайдими?* Ойбек, Танланган асарлар. *Хайрият, хайрият, Абдурасул!.. Сенинг ҳам қадаминг биз томонларга тушар экан..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сенинг учун келди совчи қадами..* «Баҳром ва Гуландом».

5 *кўчма* Иш-фаолиятдаги ҳар бир хатти-ҳаракат; амал. *Одам баъзан бир марта нотўғри босиб қўйган қадами учун умрбод жавоб беради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ахир, кам гапириб, қадамини билиб босса, ишини билиб қилса ва зимдан қора ниятлар йўлидан кета берса, уни дарҳол билиш осонми, ахир?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Бир қадам 1) *айн.* **қадам 2.** *Бир қадам нарида турибди;* 2) жуда қисқа оралиқ, оралиқ масофа ҳақида. *Ўзингиз кўрдингиз, бугун гузардан бир қадам ҳам жилганим йўқ, гувоҳ бўларсиз дейман-да.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қадам босмоқ** 1) қадамлаб юрмоқ. *..Турғуной тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди.* А. Қаҳҳор, Мастон; 2) бирор жой, маконга бормоқ, келмоқ; ташриф буюрмоқ. *Йўқ, амаки, уйга энди бир умр қадам босмайман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бугун саккиз кун бўлди, қадам босмайсиз-а?* С. Сиёев, Ёруғлик; 3) иш-фаолиятда муайян тарзда иш тутмоқ, хатти-ҳаракат қилмоқ. *..ўша босган ножўя қадами бошига бало бўладиган бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қадам олиш** Иш-фаолиятда, ҳаётда ўзини тутиш, бундаги ўзига хос хатти-ҳаракат, ҳолат. *Иккаласининг кайфлари баландми ё Опа келтирган хушхабар эсанкиратиб қўйганми, ишқилиб, қадам олишлари бошқача.* О. Ёқубов, Ларза. *..Абдусамадқорининг сўнгги кунлардаги қадам олиши Ўрмонжоннинг ҳар иккала тахмини ҳам тўғри эканини аниқ кўрсатиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қадам отмоқ (***ёки* **ташламоқ)** 1) қадам босиб юрмоқ, одим отмоқ. *Иккала от бир қиёсда баравар қадам ташлаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо; 2) *кўчма* силжимоқ, юрмоқ, бормоқ. *Қуёш ташлар ғарб сари қадам.* Ғайратий. **Қадам ранжида қилмоқ** *қ.* **ранжида.** *Устоз ёзувчи хотирасини эъзозлаш учун қалам соҳиблари, олимлар.. музейга қадам ранжида қилдилар.* Газетадан. **Қадам ташламоқ** *айн.* **қадам босмоқ 1**; **қадам қўймоқ**. *Мақсадсиз ташланган қадам — ўқсиз милтиқ билан овга чиқишдек гап.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Ўтган йил билан ҳам хайрлашдик. Янги йилнинг бўсағасига қадам ташладик.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Қадам қўймоқ** 1) *айн.* **қадам босмоқ 1, 2.** *У уйнинг зинасига энди қадам қўйганда, похол остидан чиққан кампир: -Ҳой, болам, немис бор! — деб қичқирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Дўст билан обод уйинг, Гар бўлса у вайрона ҳам. Дўст қадам қўймас эса, вайронадур кошона ҳам.* Э. Воҳидов; 2) журъат қилмоқ; киришмоқ, бошламоқ. *Бу ишга қадам қўймасдан илгари, бир карра сизнинг олдингиздан ўтиш, раъйингизни билишга тўғри келди.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) бирор ёшга тўлиб, кейингисига ўтмоқ. *Ўн иккига қадам қўймоқ.* ▬ *О, учга қадам қўйиб қолди-ку. Тили бирам ширин бўлиб чиққанки, сира қўя берасиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қадамини узмоқ** Бормайдиган, келмайдиган бўлмоқ. *Нега бизникидан қадам узиб кетдингиз, ё кўнгил қоларлик иш ўтдими биздан?* К. Яшин, Ҳамза. **Ҳар қадамда** 1) ҳар бир қадамга тенг масофада. *Ҳар қадамда белги қўйиб борарди;* 2) жуда кўп, оралари жуда қисқа, тиғиз жойлашган нарсалар ҳақида. *«Масжиди жомий» бўйлаб ҳар қадамда гадой, қаландарлар, тиланчи болалар, кампирлар..* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАДАМА 1 Қадаб, тўғнаб ёки тикиб, чатиб қўйиладиган. *Қадама жияк. Қадама ёқа.*

2 Безак яратиш, безатиш, ясатиш ва ш.к. учун қадалган нарса. *Ўша чолғуларни ўйладим бу гал, Чиройда беқиёс, кўзни олади. Садаф қадамалар ёнар мукаммал..* А. Исроилов.

ҚАДАМ-БАҚАДАМ *айн.* **қадамма-қадам.** *Саломатнинг қонини Низомиддинов қадам-бақадам босиб борарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚАДАМГОҲ [*а.* + *ф.* قدمگاه — (авлиёлар) қадами изи] *кам қўлл. айн.* **қадамжо(й) 2.** *Моҳир меъмор ва наққошларга қадамгоҳ бўлган кўҳна Хиванинг архитектура ёдгорликларини томоша қилиш нақадар завқли.* Газетадан.

ҚАДАМЖО(Й) [*а.* + *ф.* قدمجای — (авлиёлар) қадами теккан жой] **1** *дин.* Зиёрат қилиш, сиғиниш учун бориладиган, мўъжизали, муқаддас деб саналувчи жой; зиё-

ратгоҳ. *Резидент ўрнидан туриб, харита олдига келди: -Руслар мусулмонларга қадамжоларни зиёрат қилиш учун тўсқинлик қилишмайди.* К. Яшин, Ҳамза. *Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу муқаддас қадамжо [Чашмаи Айюб] чиндан ҳам мўъжизадир.* Газетадан. *Имом Бухорий қадамжосида барпо этилган муҳташам меъморий обида қурилишига ҳам бир оз ҳисса қўшганман.* Газетадан.

2 *кўчма* Кўриш, бирор нарса ўрганиш, намуна олиш учун бориладиган серфайз ёки азиз жой. *Тошкент қадамжойдир.. Азиз жой экан.* М. Шайхзода. *Бу жойларни очиб, қадамжо қилишга эса бирмунча азият чекиш керак.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҚАДАМЛАМОҚ 1 Қадам ташлаб юрмоқ; одимламоқ. *Майна олдинга қадамлади. Ҳамма унинг чиройли юзига, келишган қомати, ҳарбий кийимига ҳавас билан боқди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 (*-иб қўшимчали рвдш. шаклида* — **қадамлаб**) Қадам ташлаб, қадам билан. *Извош муюлишга яқинлашиб қолганда, йўртиб келаётган от тўсатдан қадамлаб юра бошлади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Туроб чодирга жой чамалаб, қадамлаб қозиқ ўринларини белгилаб олди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҚАДАМЛИ Қадам чамасидаги; ..қадам келадиган. *Юз қадамли масофа. Икки қадамли жой.*

ҚАДАМЛОВЧИ Қадамламоқ фл. сфдш.

Қадамловчи экскаватор *айн.* **одимловчи экскаватор** *қ.* **одимловчи.**

ҚАДАММА-ҚАДАМ *рвш.* Изма-из, кетидан қолмай, из қувиб; бирин-кетин. *Мен келдим, (кетимдан) қадамма-қадам у ҳам келди.* ▬ *Унда устозининг ортидан қадамма-қадам юриб, у босиб ўтган йўлдан бориш, ўшанинг ўзидай бўлиш орзуси ҳам кундан-кунга улғаярди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚАДАМОҚ 1 Тирамоқ, тақамоқ. *Тахтанинг бир учини деворга қадамоқ.* ▬ *-Бу яшамай ўлгурнинг ўзи ёмон, — деди опа муштини ерга қадаб.* А. Қаҳҳор, Сароб. [*Бектемир*] *Иккита танкни кўрди, бири қийшайган, иккинчиси эса тумшуғини ерга қадаган.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Санчмоқ, суқмоқ. *Ханжар қадамоқ.* ▬ *Пичоқчанинг учини консерва банкасига қадаб, безакдор сопи устидан кафти билан ура бошлади.* Н. Аминов, Суварак.

3 Тўғнамоқ, тақмоқ. *Тўғноғич қадамоқ. Тўғноғич билан қадаб қўймоқ.* ▬ *Мен бирон қоғозни ўқимасдан қўл қўйсам, сен бирон кўйлакнинг ёқасини қийшиқ қадаб қўйсанг, ишга совуққонлик билан қараганимиз учун жавобгар бўламиз.* А. Қаҳҳор, Айб кимда? *Дасторпеч.. гавҳарларни Ботирнинг.. саллasига қадаб қўйди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Ўрнига тушириб бириктирмоқ; солмоқ, тақмоқ (тугма, пистон ва ш.к. ни). *Гимнастёркасининг ёқасига қўл юборди-ю, тугмасини қадашга улгуролмай, яна сўзида давом қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 Ўрнатмоқ, тикмоқ; босиб, суқиб, ўрнига жойлаштирмоқ. *Глухов пичоқ билан бирпасда беўхшовгина юлдуз ясади, бармоқдай қизил қалам билан уни бўяди-да, ёғочга бириктириб, қабрга қадади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

6 *кўчма* Экмоқ, тикмоқ. [*Бўтабой*] *Шудгорни кесиб, чигит қадаётганлар олдига борди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Кўзларини (*ёки* **кипригини**) **қадамоқ** Тикилиб қарамоқ, боқмоқ, тикилмоқ. *У* [*Комилжон*] *шофёрга бошқа савол бермай, икки кўзини машина ойнасига қадаб боради.* И. Раҳим, Ихлос.

ҚАДАР I [*а.* قدر — миқдор, ўлчам, даража] *кўм.* **1 (***б. к. билан***)** Таққослаш, ўхшатиш, даража муносабатларини, маъноларини билдиради; каби, ўхшаш, -дек. *Косани олиб, катта қошиқ билан шошиб-пишиб ичди. Косада ош уч эллик қадар озайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дунё қадар мардлик сиққан кенг қучоғингга, Яширинган миллион халқнинг ғазабли саси.* Ҳ. Пўлат. *Биз ўзимизни ичкарига олгач, дарвозабон ўзининг ҳазми кўтарган қадар бизга тўнғиллайдир-да, дарвозани берклаш ҳаракатига тушади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 (*ж. к. билан*) Чегара муносабатини, маъносини билдиради; довур, -гача. *Уйдан вокзалга қадар. Етти яшардан етмиш яшарга қадар.* ▬ *Дарвоза остини то ҳамсоялар эшигига қадар супуриб кириб ўлтириб, оналари билан чой ичмоққа машғул бўлар эрди.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Шу йилнинг охирига қадар корхонада бешта дастгоҳ тайёрланади.* Газетадан.

Бир қадар Маълум даражада, бир оз, бирмунча, сал. *Бу ишлар бир қадар битган-*

дан кейин, Сидиқжон онасини олиб келгани Баҳрободга борди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Икки оға-ини бир қадар саросимага тушиб, ўринларидан туришди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Мумкин қадар** Имкони борича, иложи борича. *Қамбар маҳалланинг номини айтиб, у ердаги тор кўча, боши берк кўчаларни, эшикларни мумкин қадар синчиклаб тушунтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўлиб ўтган воқеага мумкин қадар беозор баҳо бериб, қизни унутиб, тинчишни истар.. эди.* «Шарқ юлдузи». **У қадар** 1) унга тенг келадиган, унчалик. *Масалани у қадар ечолмасам керак;* 2) айтишга арзигудек, деярли. *Унинг нимаси мени ўзига тортар экан? У қадар гўзаллиги ҳам, бошқа одамлардан ортиқлиги ҳам йўқ-ку!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАДАР II [*а.* قدر – тақдир, ёзмиш] *эск. кт.* Тақдир, қисмат, ёзмиш.

ҚАДАРЛИ *с. т.* Қадар, довур, -гача.

ҚАДАҚ *шв.* Оловкурак; хокандоз.

ҚАДАҲ [*а.* قدح – пиёла, жом, май идиши] Май ичиладиган идиш; жом. *Биллур қадаҳ. Олтин қадаҳ. Бир қадаҳ вино.* ▬ *Мударрисов бўшаган қадаҳни дастурхон четига қўяр экан, кампир.. «дуруст-ку», дегандай қош қоқиб, Йигиталига қараб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Ароқдан қилқиллатиб қуйиб, ўрнидан турди.. Қадаҳнинг бирини бошлиққа узатди.* Н. Аминов, Суварак.

ҚАДДИ-БАСТ *айн.* **қадди-қомат.** *Қаддибасти келишган, чайир билакларидан куч ёғилиб турган .. йигитлар ўтганларида, «Ким экан у?» деб сўз қотмайдиган сулув бормикин?!* Газетадан.

ҚАДДИ-ҚОМАТ Бўй-баст, сумбат, қомат. *Қадди-қомати келишган йигит.* ▬ *У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йигитларникидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҚАДИМ [*а.* قديم – ўтган, илгариги, кўҳна, эски] **1** *от* Узоқ ўтмиш, қадимги замон, узоқ ўтмиш давр. *Қадимдан қолган одат.* ▬ *Чорвоқ даласи қадимда Мадамин билан Олахўжабойга қарашли эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қадимнинг қоидасига мувофиқ, ҳар икки томоннинг шумтака болалари бирбирларини қорга думалатиб, бир нафас муштлашиб олдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *сфт.* Узоқ ўтмишдаги; қадимий, кўҳна. *Қадим замон.* ▬ *Бу йўллар кўп қадим йўллардир.* Ғ. Ғулом. *Ҳунармандчиликнинг ривожланиши катта савдо йўлидаги қадим шаҳарнинг бошқа узоқ музофоту ўлкалар билан алоқасини авж олдирди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Илгарилари, қадимда. *Ҳовлиларга кираверишдаги катта ва сервиқор дарвозаларни айтмайсизми, қадим бундай дарвозаларни Орифхўжабойлар қурарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҚАДИМГИ **1** Узоқ, ўтмиш замонларда ёки узоқ замонлардан бери мавжуд бўлган, узоқ ўтмишга оид; қадимий, кўҳна. *Қадимги туркий тиллар. Қадимги форс ёзуви.* ▬ *Ҳозирги Ўзбекистон тупроғида яшаган қадимги халқлар ўзларининг мустақил, бой маданиятларига эга бўлганлар.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Илгариги, аввалги. *Фарғона водийсидан Тошкентга қатнайвериб, довон ошиб, товонлари тош бўлган қадимги батрак Абдурасул бу кунларда ўз муддаосининг амалга ошаётганини ҳис этар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАДИМГИЛАР Қадимда, анча аввал яшаб ўтган одамлар, ота-боболар. *Бундай ёзилибгина бир гаплашса-чи. Қаёқда! Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада – қадимгилар хўп топиб гапиришган-да.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАДИМГИЧА **1** Қадим қандай бўлса ўшандай, ўзгаришсиз, илгаригидай. *Ўғлининг қабри қадимгича турмоқда эди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

2 Эски одат бўйича; эскича. *Қадимгича тўй.*

ҚАДИМДА Қадим вақтларда, илгарилари. *Ривоятларга қараганда, қадимда Маккага борган диндорлар хурмо олиб келишиб, яқинларига улашар эканлар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Қадимда Ургут қишлоқларига босқинчилар тез-тез ҳужум қилар экан.* «Саодат».

ҚАДИМДАН *рвш.* Узоқ ўтмишдан, қадимги замонлардан. *Қадимдан қолган урфодатлар.* ▬ *Товуш тўлқинларини тутгич вазифасини ўтовчи қулоқ супраси табобатда катта аҳамиятга молик экани Шарқ тиббиётида қадимдан маълум.* «Фан ва турмуш».

ҚАДИМИЙ [*а.* قديمى – қадимга, ўтмишга оид] Қадимга оид, қадимдан бор, ўтмишдан сақланиб келаётган. *Қадимий урф-одатлар. Қадимий шаҳар. Қадимий анъаналар.* ▬ *Қадимий Хоразм ўзининг бетакрор маданий обидалари билан машҳур.* «Саодат». *Тупроғи серунум, иқлими мўътадил, аммо суви камчил Қашқа воҳасини боғ-роғларга айлантириш қадимий орзу эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚАДИМОНА Қадимги урф-одат, анъана ва ш.к. га хос, мос. *Тансиққа ҳам бурмасиз, ҳашамсиз, узун ва жуда кенг қадимона кўйлак кийишни буюрар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚАДИМЧА *кам қўлл. айн.* **қадимгича 2.** *Болохона бўғот томли, кўримсизгина бўлса ҳам, ичи бежирим – қадимча эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАДИМШУНОС [*а.* + *ф.* قديمشناس – қадимиятни, ўтмишни ўрганувчи] *кам қўлл. айн.* **археолог.** *Эндиликда қадимшунослар ихтиёрида тадқиқотлар учун 7 та археологик топилма бор.* Газетадан.

ҚАДОҚ I Қиймат жиҳатдан 1 фунтга тенг бўлган қадимги оғирлик ўлчов бирлиги (1 фунт = 409, 512 г.). *Бир қадоқ чой.* ▬ *Афанди ишонмай, мушугини тортиб кўрса, тўрт қадоқ чиқибди.* «Латифалар».

Қадоқ тош, қадоқтош Нарсаларни тарозида тортишда тарози палласига қўйиладиган ўлчовли тош. *Ҳар бир сўзи қадоқ тошдай вазмин бу киши кейинги кунларда янада камгапроқ бўлиб қолган.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ҚАДОҚ II **1** *айн.* **чега.** *Битта қадоқ билан бутун бўладиган ликопча.*

2 *сфт.* Қадоқланган, чегаланган. *Салтонбу.. қадоқ пиёлага* [*шилпилдоқ*] *солиб берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАДОҚ III: **қадоқ чой, қадоқ қанд** Қоғоз ёки бошқа нарсага жойлаб маҳкамланган, маълум миқдордаги чой, қанд.

ҚАДОҚ IV Одам терисидаги кўп ишқаланадиган ва қисиладиган жойнинг қалинлашуви, қаттиқ қаварик (кўпроқ оёқ панжалари, товон, кафт, баъзан қўл панжаларида учрайди). *Вали ака.. қўлининг қадоқлари озор беришидан қўрқаётгандек, хотинининг пешонасини авайлаб силади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Собир ака.. оғир меҳнатдан эзилган, қўллари қадоқ, мушаклари чайир бўлиб кетган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Қадоқ қўл(ли) *ёки* **қўли қадоқ** 1) қўли қадоқ бўлган, қўлини қадоқ босган; 2) *кўчма* ўз кучи билан тирикчилик қиладиган, бировнинг кучидан фойдаланмайдиган; меҳнаткаш. *Қадоқ қўлли миллионлар Янчди зулм тахтини, Барпо этиб бўстонлар, Топди қувонч, бахтини.* З. Диёр. *Бойларга қарши курашни Ниёзга ўхшаш айрим кишилар эмас, ҳамма қўли қадоқлар олиб бориши керак.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

ҚАДОҚЛАМОҚ I **1** Оғирликни қадоқ билан ўлчамоқ, тортмоқ. *Қадоқлаб бозордан мева олиб, санаб еб, ёзни ўтказасизлар.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 Тортиб, маълум оғирликда ёки миқдорда ўлчаб пачкаламоқ. *Чой(ни) қадоқламоқ. Қанд(ни) қадоқламоқ. Унни қадоқламоқ.* ▬ *Шўрсув конида майдаланган олтингугуртни полиэтилен халтачаларга қадоқлаш йўлга қўйилган.* Газетадан.

ҚАДОҚЛАМОҚ II *айн.* **чегаламоқ.** *Тожибой қадоқчилик «дўкони»ни ёяди, мезбонларнинг синиқ идиш-товоқларини тўплаб, қадоқлашга тушади.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ҚАДОҚЛАНМОҚ I **Қадоқламоқ** I фл. мажҳ. н. *Чой қадоқланадиган фабрика.*

ҚАДОҚЛАНМОҚ II **Қадоқламоқ** II фл. мажҳ. н.; чега билан бириктирмоқ. *Салтонбу уч еридан қадоқланган.. эски пиёлада намакоб қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАДОҚЛАНМОҚ III Қадоқ бўлмоқ (*қ.* **қадоқ** IV). *Қўллари қадоқланган, кўзлари ўтдай ёнган..* Ғ. Ғулом.

ҚАДОҚЛИ I Қадоқ оғирлигидаги. *Беш қадоқли тош.* ▬ *Кетмончиларнинг энг катта деб билган ўн қадоқли кетмонлари ҳам мулла Обидга ёқмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚАДОҚЛИ II Қадоқланган, синган жойи ямалган, чегаланган. *Қадоқли пиёла.*

ҚАДОҚЛИ III Қадоғи бор, қавариб, қадоққа айланган, қадоқ босган. *Қадоқли қўллар.*

ҚАДОҚЛОВЧИ 1 Қадоқламоқ фл. сфдш. *Қадоқловчи цех. Қадоқловчи дастгоҳ.*

2 Касби қадоқлаш бўлган шахс. *Чой қадоқловчи.*

ҚАДОҚЧИ *айн.* **чегачи.** *Илкингга қўндириб қуш, ул сенга номуносиб, Боқиб ўзинг-

га иш қил, касбинг қадоқчи, ҳожим. Муқимий.

ҚАДОҚЧИЛИК Қадоқчи иши, касби. *Қирғиз ҳожи тирик эмиш, Андижоннинг узум бозорида қадоқчилик қиляпти экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ҚАДОҚЧОЙ Ўраб юмалоқланган маълум миқдордаги чой, қадоқланган чой. [*Муҳаммадсаиднинг*] *Ўзи ё афғонистонлик, ё ҳиндистонлик мусулмон бўлиб.. узоқ мамлакатлардан қадоқчой, тахтачой келтириб сотар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚАДР [*а.* قدر – миқдор, ўлчов; даража, мартаба; тақдир, қисмат] **1** Жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин, ўзга(лар) томонидан бўлган ҳурмат, эътибор. *Ўз қадрини билмаган бировнинг қадрини билмайди.* Мақол. *Дарё сувини баҳор оширар, Одам қадрини меҳнат оширар.* Мақол. ▬ *Оҳ, она тупроғим, ўсган жойларим.. Кўнглимда сақланар ҳурматинг, қадринг.* Миртемир. *Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанига, халқига қилган хизмати билан ўлчанади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Офтоб ойим.. қизининг қадрини бунчалик аршларгача кўтармоқда бўлган йигитга ўзида йўқ чексиз муҳаббат, поёнсиз эҳтиром сезмоқда.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳаётда тутган ўрин; аҳамият, муҳимлик ҳолати. *Зар қадрини заргар билар.* Мақол. ▬ *Газламанинг қадри жуда ошиб кетди. Эрталабки нарх кечга тўғри келмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У томонларда меванинг қадри баланд дейишади, ростми?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Биз ҳамма нарсанинг қадрини ўзи йўқолгандан кейин биламиз.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

Қадр қилмоқ, қадрига етмоқ *ёки* **қадрини билмоқ** 1) обрў-эътиборига, қадр-қимматига яраша иззат-ҳурмат қилмоқ, қадрламоқ. *Бола қадрига етмаган она қадрига етмайди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар; 2) аҳамияти нақадар азиз, аҳамиятли, қийматли эканлигини билмоқ, аҳамиятига, қимматига яраша эъзозламоқ. *Саломатликнинг қадрига етмоқ. Гул қадрини булбул билар.* Мақол. ▬ *Қулликни сезмаган ҳурлик қадрига ета олурми?!* Ҳамза. **Қадри ўтмоқ** Аҳамияти, ўрни сезилмоқ, ўрни билинмоқ, йўқлиги сезилмоқ. *Дўстимнинг қадри ўтди, у бўлса, бунчалик қийналмас эдим.* ▬ *Исроил Аҳмедовнинг қадри, айниқса, ҳозир ўтяпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАДРДОН [*а.* + *ф.* قدردان – қадрини билувчи, баҳо берувчи; яхшиликни билувчи] **1** Ўзаро қадр-эътиборли, бир-бирини жуда қадрлайдиган. *Бу киши бизга жуда қадрдон. Иккаламиз эски қадрдонмиз.* ▬ *Шуми ҳали қирқ йиллик қадрдондан чиққан гап?* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Ултармалик Асрорқул Ҳайдар отанинг қадрдон ошнаси бўлади.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Кўпдан бери таниш, ўрганиш бўлган, ўрганиб қолинган, қадрли бўлган. *Қадрдон болалар. Қадрдон қишлоғим.* ▬ *Нормат қадрдон батальонига келиб, ошна-оғайнилари билан учрашаркан, севинчини юрагига сиғдиролмай, жуда гапдон бўлиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ота қадрдоним Отамни танийдиган қадрдоним, отамнинг дўсти. *Ота қадрдонларим билан таништирганингиз учун раҳмат, амаки.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАДРДОНЛАШМОҚ Ўзаро қадр-эътиборли муносабатда бўлмоқ; қадрдон бўлмоқ. *Феруза, чўл қишлоғидаги бегона кишиларнинг бир она қорнидан талашиб тушгандек қадрдонлашиб кетганини ўз кўзи билан кўрди, ишонди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Ўктам техника фанлари доктори Ўрмонов билан қадрдонлашиб қолди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ҚАДРДОНЛИК Қадрдонларга хос муносабат, ҳолат. *Сиз олийжанобсиз: эски қадрдонлик ҳурматига, кўнгил учун кулиб боқарсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..андишасиз кишининг муомаласини қилса, ўттиз йилдан ортиқроқ умр кўрган қадрдонлик ўйламасдан айтилган бир оғиз сўз қурбони бўлур эди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ҚАДРИЯТ [*а.* قدريت – қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; халқ бойлиги] Воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, мас., эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар ва б. қадрият ҳисобланади. *Аммо ошкоралик дегани хоҳлаган кимсанинг хоҳлаган пайтда қадриятларимизни оёғости қилиши дегани эмас.* Газетадан. *Бутун бир миллат-*

нинг қадриятлари топталса, йўқола бошласа, бу ўша халқнинг фожиаси эмасми? Газетадан. *Бу қадриятларнинг бари айнан миллий қадриятлар билан уйғунлашган ҳолдагина намоён бўла олади.* «Тафаккур».

ҚАДРЛАМОҚ 1 Обрў-эътиборига, қадр-қимматига яраша иззат-ҳурмат кўрсатмоқ, қадр қилмоқ. *Устозларини қадрламоқ.* ▬ *Созандаларни, устозларимизни қадрланг, ҳурматланг..* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Аҳамиятига, қимматига яраша эътибор бермоқ, шунга яраша муносабатда бўлмоқ. *Инсоний фазилатлардан бири — дўстлик ва ўртоқликни қадрлашдир.* Газетадан. *Йўлдош ота ерни қадрлаб, пахтани фарзандидай кўрадиган одамларни Мирзачўлга чорлаган экан.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚАДРЛИ 1 Қадр-эътиборга лойиқ; ҳурматли. *Қадрли ўртоқ. Қадрли ўқитувчи.* ▬ *Ҳамма уни гўё узоқ вақтдан бери кутилган қадрли бир меҳмондай қувончли юз билан қаршилади.* Р. Файзий, Уч қиз. *Нарзи, узоқдаги ота-онаси каби, бу ердагилар учун ҳам азиз ва қадрли жигарбанддир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Қадри, қиммати юқори, қадр-қимматини йўқотмаган. *..меҳнатинг қадрли, ҳаётинг файзли..* Газетадан.

3 *кам қўлл. айн.* **қадрдон 2**. *-«Фарҳод» бизга қадрли жой, — деди кулиб Мирҳайдар.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Сўйла, ўртоғим, менга, Сўйла менга, қадрлим.* Ҳ. Олимжон.

ҚАДРСИЗ 1 Қадр-эътибори йўқ, ҳеч ким ҳурмат қилмайдиган, назарга илмайдиган. *Қадрсиз киши. Қадрласанг, қадринг ошар, қадрсиздан ҳамма қочар.* Мақол.

2 Ҳеч қандай қиммати, аҳамияти, қадри йўқ, ҳеч нарсага арзимайдиган. *Қадрсиз нарса.* ▬ *Хотинларнинг меҳнати айниқса қадрсиз, сув текин бўлишини ўшанда билдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАДРСИЗЛАНМОҚ 1 Обрў-эътиборини, қадрини йўқотмоқ, назардан қолмоқ. *Энди сенга қадрсизланган бўлсалар, аммо бизнинг қошимизда уларнинг қадру қимматлари юқори.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қийматини, аҳамиятини йўқотмоқ. *Пулнинг қадрсизланиши. Валютанинг қадрсизланиши.*

ҚАДРШУНОС [қадр + *ф.* شناس — билувчи, ўрганувчи] *эск. кам қўлл.* Киши ёки нарсанинг қадр-қийматини биладиган, қадрига ета оладиган, қадрлайдиган.

ҚАДРШУНОСЛИК *эск.* Қадрлаш, қадрига етиш хислати, хусусияти. *-Қадршуносликларингга раҳмат, ўртоқ! — дейди, — мулла Обиднинг қадрига етдинг, менга шу бас.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚАЕР [*асли* қай ер] *сўр. олм.* Қайси ер?, қайси жой?; қайси томон?, қаёқ? *Қаер сизга ёқади? Бу қаернинг анори? Қаеринг оғрияпти?* ▬ *Ҳали ҳеч қаерни кўрганимча йўқ.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Аҳмаджон.. ўзига келгач, разм солиб қараса, ҳеч қаери майиб бўлмабди, фақат билагидан қон оқар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҚАЕРГА [*асли* қай ерга] *сўр. олм.* Қайси ерга?, қайси жойга?; қайси томонга?, қаёққа? *Китобни қаерга қўйдинг? У қаерга кетди?*

ҚАЕРГАДИР [*асли* қай ергадир] *гум. олм.* Номаълум (бир) жойга, номаълум (бир) томонга; бирор жойга; бирор томонга. *Хатни қаергадир қўйган эдим, топа олмаяпман.* ▬ *Қоровул кўчанинг у юзига ўтиб, қаергадир кириб чиқди.* А. Қаҳҳор, Картина. *Унинг ҳаракати гўё қаергадир шошилаётгандай эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАЕРДА [*асли* қай ерда] *сўр. олм.* **1** Қайси ерда?, қайси жойда?; қайси томонда? *Қаерда ишлайсиз?* ▬ *-Мен ўраман бедани, бедаларингиз қаерда? — Ёрматга қараб деди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **қаёқда 2, 3**.

ҚАЕРДАГИ [*асли* қай ердаги] *сўр. олм.* **1** Қайси ердаги?, қайси жойдаги?; қайси томондаги? *Қаердаги китобни олай?*

2 Риторик сўроқларда: ҳеч ким ўйламаган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, қаёқдаги каби маъноларни билдиради. *Қаердаги гапларни ўйлаб топасан.*

ҚАЕРДАДИР [*асли* қай ердадир] *гум. олм.* Номаълум (бир) ерда, жойда; номаълум (бир) томонда; бирор ерда, жойда; бирор томонда. *Биз сиз билан қаердадир учрашганмиз.* ▬ *Қаердадир қизилиштон қариллади, попишак «пу-пу-пуш-пиш» деб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАЕРДАН [*асли* қай ердан] *сўр. олм.* **1** Қайси ердан?, қайси жойдан?; қайси томондан?, қаёқдан? *Сувни қаердан олиш мумкин? Меҳмонлар қаердан келишди?*

2 Қандай қилиб?, қаёқдан? *Сен қаердан зўравон бўлиб қолдинг?*

3 Кимдан?, ким орқали? *Бу гапни қаердан эшитдинг?* ▬ *А, севаман? Бу ёмон гапни қаердан ўргандинг?* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЕРДАНДИР [*асли* қай ердандир] *гум. олм.* Номаълум (бир) ердан, жойдан; номаълум (бир) томондан. *Йўлчи «маъқул» деди. Ўроз, қаердандир, катта тарвуз келтириб, ўртага қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЕРЛИК [*асли* қай ерлик] *сўр. олм.* Асли қайси ердан?, қайси жойдан?; қайси жойда туғилиб ўсган? *Она, сўрамоқнинг айби йўқ, сиз бу томонларнинг одамларига ўхшамайсиз, қаерлик бўласиз?* С. Айний, Қуллар.

ҚАЁН [*асли* қай ён] *эск. кт айн.* **қаерга.** *Бахт этагин тутқизмас, Ғам кутар, борса қаён.* Миртемир. *Адашган кимсадек Фурқат қаён боргум билолмасман..* Фурқат.

ҚАЁҚ [*асли* қай ёқ] *айн.* **қаер.**

ҚАЁҚДА [*асли* қай ёқда] **1** *айн.* **қаерда 1**. *У қаёқда? Ўрда қаёқда?*

2 Инкорни, акс ҳолат мавжудлигини билдиради. *-Энди тамом бўшатдиларми сени? -Бўшатиш қаёқда! Қочдик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Камбағалга мактаб, ўқиш қаёқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Қиёслаш, таққослаш маъносини билдиради. *Бўта қаёқда-ю, Низомиддин қаёқда.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Тракторист танқид қилганига санъаткор асти чидай олмас эди; трактор қаёқда-ю, масалан, «чорзарб» қаёқда, тракторист қаёқда-ю, ашулачи қаёқда!* А. Қаҳҳор, Санъаткор.

ҚАЁҚДАГИ 1 [*асли* қай ёқдаги] *айн.* **қаердаги.** *Қаёқдаги уй яхши?*

2 Хаёлга келмаган, йўқ ердаги. *Қаёқдаги ўйни ўйлайсиз. Ултон бек бўлган бўлса, бўпти-да.* «Ёдгор». *..қаёқдаги гапларни топиб, бошни оғрита бошлади.* «Гулдаста».

ҚАЁҚДАДИР [*асли* қай ёқдадир] *айн.* **қаердадир.**

ҚАЁҚДАН [*асли* қай ёқдан] *айн.* **қаердан.** *Сен буни қаёқдан олдинг? Қаёқдан билағон бўлиб чиқдинг?* ▬ *-Ассалому алайкум! — деди раисга рўпара бўлиб. Раис товуш қаёқдан келганини билмай аланглади.* А. Қаҳҳор, Башорат.

ҚАЁҚДАНДИР [*асли* қай ёқдандир] *айн.* **қаердандир.**

ҚАЁҚҚА [*асли* қай ёққа] *айн.* **қаерга.** *Қаёққа қарасанг, қовун.* ▬ *От кўчанинг айрилишига етиб, «энди қаёққа юрамиз», дегандек тўхтаган эди, эгаси яна «чуҳ», деб жавоб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЁҚҚАДИР [*асли* қай ёққадир] *айн.* **қаергадир.** *Баландда, юлдузли кўкда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚАЗИ Отнинг тўш ва пешноп гўшти; шундай гўштдан отнинг йўғон ичагига тиқиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти. *Янги қази. Бир йиллик сур қази.* ▬ *Ўн етти отнинг эти, мойи, қазиси дегандек, икки юз саксон пуд ораларида тош беради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кечки норин учун катта қозонда ёғли қази пишади. Иккинчи қозонда қўй этидан шўрва қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЗИЛИ Қази солинган, қази солиб пиширилган. *Мен ўзимга тўқ, ҳар куни қазили ош ейман.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАЗИЛМА 1 *геол.* Ер остидан қазиб олинадиган нарсалар (кўмир, нефть, руда ва ш.к.). *Фойдали қазилмалардан олинадиган минерал ўғитлар..* Газетадан.

2 *археол.* Ер остида қолиб кетган ва қазиб топиладиган қадимий ёдгорликлар ёки уларнинг қолдиқлари; топилма, топилдиқ.

3 Қадимий ёдгорликларни ёки уларнинг қолдиқларини топиш ва текшириш юзасидан олиб бориладиган қазиш ишлари. *Қадимги Тошкент ўрнида археология қазилмалари ўтказилмоқда.* Газетадан.

ҚАЗИМОҚ 1 Ерни ковлаб, ўйиб, бирор нарса тайёрламоқ. *Ариқ қазимоқ. Окоп қазимоқ. Қудуқ қазимоқ. Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласанг.* Мақол. ▬ *Заранг ерларни лўм билан уриб, шундай қазийдики, ҳамма ҳайрон қолади.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. *Халқимиз катта-катта каналлар қазиб, дарёларни бўғди.* «Муштум».

2 Ерости бойликларини ковлаб чиқармоқ, олмоқ. *Кўмир қазимоқ. Руда қазимоқ.* ▬ *Сиз дарров шу олтинларни қазиб олиб, кунингизга яратинг.* «Эртаклар».

ҚАЗИШ 1 Қазимоқ фл. ҳар. н. *Демак, ўрталик ҳали катта, кўп кунлар, балки ойлар қазишга тўғри келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *айн.* **қазув.** *Эрта билан фотиҳа берасиз.. қазиш ишларини бошлаб юборамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАЗИШМА Ерости қазув ишлари. *Сибирлик археологлар трасса бўйлаб қазишмалар чоғида тош аср қуролларини ўргандилар.* Газетадан.

ҚАЗМОҚ *с. т.* Қазимоқ, ковламоқ. *Қазган билан туганмас кўмир..* Ҳ. Олимжон.

ҚАЗНА Дағал ипак, пилла чиқитидан ҳамда яроқсиз пиллалардан олинган паст сифатли ипак. *..қиш кунлари ғўза чувиш, ип йигириш, пилла қайнатиб қазна қилиш каби ишлар билан шуғулланар эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҚАЗНОҚ Омбор вазифасини ўтовчи кичикроқ хона, ҳужра. *Шу уй ёнида кичик, қоронғи бир зах қазноқ бўлиб, бу омбор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу йилги ғалласи йигирма пудга базўр етган эди. Уни қоплаб, қазноқда кўз қорачиғидай асраб ўтирганди.* С. Сиёев, Аваз.

ҚАЗО [*а.* قضاء – ҳуқуқшунослик, суд ишлари; қозихона; ижро, ҳукм; тақдир, қисмат] Ўлим; вафот; ўлиш, вафот этиш; ўлим соати, ажал. *Қазоси етди. Жон бор ерда қазо бор.* Матал. ■ *Куним битиб, қазоийим яқинлашиб қолди шекилли..* Ойбек, Улуғ йўл. *Зағчакўз.. Қамишкападаги ҳар бир воқеадан бехабар қолмас, тўй ёки қазога дарров етиб келар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Худойга топширдим, Кумуш, қазом етиб, кўролмай ўлсам, мендан рози бўл!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қазо қилмоқ 1) ўлмоқ, вафот этмоқ. *Орадан икки йил ўтгач, онаси қазо қилди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 2) *дин.* вақтида ижро қилмай ўтказиб юбормоқ, вақтида бажармай, ижро қилмай қолдирмоқ. *Элмурод биринчи куни беш вақт намозни тугал ўқиди. Иккинчи куни учтасини ўқиб, иккитасини қазо қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кимки танжоним соғ, умрим узоқ, кайфим чоғ бўлсин деса, намоз, рўзани қазо қилса қилсин, аммо чах-чахни қазо қилмасин.* К. Яшин, Ҳамза. **Қазову қадар** [*а.* بالقضاء والقدر – тақдир тақозоси билан, тасодифан] Тақдир, қисмат. *Жониворларнинг бир жойда муқим турганини камдан-кам одам кўрган: доимо типирчилаб юришади. Қазову қадар уларнинг гавдасиниям шунга муносиб яратган.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ҚАЗОЙИ [*а.* قضائى – қазога, тақдирга оид; ҳуқуқий]**: қазойи муаллақ** 1) муқаррар ўлим, ажал. *Булар бахтига қазойи муаллақ Баззоз ҳожининг бошига етиб, унинг бутун мол-мулки билан хотинини Миродилнинг қўйнига солиб қўйди.* У. Исмоилов, Сайланма; 2) *кўчма* балохўр, ҳаромхўр. *Домла поччангиз билан.. аълам, муфти, ҳоказо қазойи муаллақлар зўр бериб қуйруқ ғажийдирлар.* «Муштум».

ҚАЗУВ 1 Қазиш ишлари.

2 Хива хонлигида канал (ёп) ва ариқларни ҳар йили тозалаш таомили. *Туркманлар қадим замонлардан бери қазувдан озод этилган эса-да, Исфандиёр уларни қазувга солди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАЗУВЧИ 1 Қазимоқ фл. сфдш. *Ариқ қазувчи ёшлар..*

2 Қазиш ишларини бажарувчи шахс, мутахассис. *..қишлоқнинг этагидаги, қазувчилар манзил қурган бу пастак тоғ.. Музлоқ тоғ деб аталарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАЗҒОҚ 1 Бошнинг сочли қисмида пайдо бўладиган майда қипиқлар. *Қазғоқ бош териси қуриганда пайдо бўлиб, кўпинча соч тўкилишининг асосий белгиси ҳисобланади.* Газетадан.

2 Ипак қурти, ёш бузоқ ва ш.к. нинг нишхўрт аралаш ахлати.

ҚАЙ *сўр. олм.* Қайси?; қандай? *Қай вақтда ўқийсиз? Қай маҳалда келдингиз? Қай даражада? Қай аҳволда?* ■ *Бир ошно излайдир девона дилим, Қай тараф қарасам – туман, залолат.* Э. Шукур, Ҳамал айвони. *Бувим сўзлар хўрсиниб, Ўтмишидан ўксиниб: -Ўт ўрдим, машоқ тердим, Қай иш дуч келса қилдим.* Қ. Муҳаммадий. *Тонгла маҳшарда қай юз билан сенга боқаман?* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЙБИР 1 Баъзи, айрим. *Қайбир кунларда? Қайбир кишилар.* ■ *Улардан қайбири фароғатда, қайбири эса азоб-уқубатда эканини чуқур тушунди.* Газетадан.

2 Ҳар қандай, қайси бир. *Бобом бир сўз десалар-чи, Сўз устидан чиқарканлар. Қайбир ишга қўл урсалар, Кечиктирмай қиларканлар.* Қ. Муҳаммадий.

ҚАЙГА *сўр. олм. с. т.* Қаерга?, қаёққа? *Қайга кетмоқдасан бунчалар шошиб?* А. Орипов.

ҚАЙД [*а.* قيد – кишан; тугун; ўлчам, масофа; рўйхатга киритиш, ёзиб қўйиш] *кт.* **1** Таъкидлаш; таъкид. *Иккинчи дафтарни қўлга оламан. Бу эса театр тарихининг қим-*

матли хазинаси — унутилмас саналар, ноёб фикрлар, қайдлар, таклифлар жамламаси. А. Юнусов, Чинор ва ниҳол.

Қайд қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Таъкид билан айтмоқ, тилга олмоқ. *Сиз мени жаҳонгашта, деб тўғри қайд қилдингиз.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *..тарбиявий ишлар дуруст йўлга қўйилмаганлигидан аянчли аҳволлар содир бўлаётганлиги қайд қилиб ўтилди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Академик Отабоев.. бу ёш олим ҳам тиришиб ишлаётганини қайд этган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ёзиш, ёзиб қўйиш, рўйхатдан ўтказиш; рўйхат. *Қайд дафтари.*

Қайд қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ёзиб қўймоқ, акс эттирмоқ (маълумот сифатида). *Заррабинда ҳар хил ҳашарот, қурт-қумурсқа, илдизларни синчиклаб кўради, янги тутилган кундалигига қайд қилади.* С. Нуров, Нарвон. *-Кимнинг нима дарди борлиги дафтаримда қайд этилган, — деди врач.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ҚАЙДА *сўр. олм. с. т.* **1** Қаерда?, қайси ерда?, қайси жойда?; қайси томонда? *Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар.* Мақол. ▬ *Салим қайда? Чақиринг.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **қаёқда 2, 3**. *..узоқ сафарга пул керак. Текин қимиз, эт қайда?* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамни уялтирманг, сиз айтган санъаткорлар қайда-ю, мен қайда?!* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАЙДАМ *с. т.* Билмадим, билмасам, қаердан билай. *-Бизнинг қишлоқлик Отақул эмасми? — деди Давлатёр. -Қайдам? Қамишкападанман, деб юрарди, ишқилиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАЙДАН *сўр. олм. с. т.* **1** Қаердан?, қайси ердан?, қайси жойдан?; қайси томондан?; кимдан? *Қайдан келдинг? Бу гапни қайдан эшитдинг? Юрган йўлдан топади, ўтирган қайдан топади.* Мақол. ▬ *Йўлчи ишга разм солиб, қайдан бошлаш кераклигини ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаёқдан?, қай сабабдан?, қандай қилиб? *Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди! Танамга ўт тушиб, жоним туташди.* «Кўшиқлар».

ҚАЙИЛИШ 1 Қайилмоқ фл. ҳар. н.

2 Кўча, йўл, сув ва ш.к. нинг бурилиш жойи; муюлиш, қайрилиш, бурилиш. *У қайилишга етганда, орқасига бир қараб қўйди. Дарёнинг қайилиш жойи.*

ҚАЙИЛМА *кам қўлл.* Қайилган жой, бурилиш жойи. *Эминжон, мана энди, қайилма атрофини қўриқлаб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАЙИЛМОҚ *с. т.* Қайрилмоқ. *Мих қайилиб кетди. Йўловчи чап томонга қайилди.* ▬ *Томдан сакрашда қайилиб, тўпиғи ўйнаб кетган оёғи ҳадеганда тузала бермай, кейинчалик Бўрихўжа чап оёғини терсроқ босадиган бўлди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚАЙИН I «Ота», «она», «эгачи», «сингил» сўзлари олдидан келиб, шу сўзлар билан ифодаланган қариндошларнинг эр ёки хотинга қариндошлик муносабатини билдиради. *Куёвнинг қайин отаси. Келиннинг қайин онаси. Қайин оғам.* ▬ *Улар менинг қайин иниларим, камбағал, уятчан кишилар, ўзлари келишдан уялиб, аризаларини мендан юбордилар.* С. Айний, Қуллар.

ҚАЙИН II Шимол томонда ўсадиган, тераксимон тик, пўсти оқ дарахт. *Қадрдон дублар, арчалар, қайинлар ғамгинлик билан бош эгиб, орқада қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАЙИН III**: қайин анор** Доналари тўқ қизил, ўртача нордон анор (асосан Фарғона водийсида бўлади). *Серсув қайин анорнинг шарбатлари энгагимдан тирқираб оқиб кетмоқда.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚАЙИНБЎЙИН Эрнинг яқин қариндошлари (унинг хотинига нисбатан) ёки хотиннинг яқин қариндошлари (унинг эрига нисбатан).

ҚАЙИНЗОР Қайин дарахтлари билан банд ер, жой, майдон.

ҚАЙИР [*а.* قعير — чуқур, теран] Водий тубининг, дарё тармоқлари ва сунъий каналлар этаклари (қирғоқлари)нинг дарё тошганда сув босадиган жойлари; ерости суви юқори (юза) бўлган ерлар. *Зарафшон дарёси қайирида, яъни дарё суви босадиган ўтлоқ ерларда ҳам ботқоқликлар бор.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида. *Ибтидоий суғориш деҳқончилиги билан бир қаторда қадимги хоразмликлар қайирларда.. деҳқончилик қилганлар.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Бу — дарё ўртасидаги оролчами? Биз бу ерларни ўрта қайир деймиз.* Газетадан.

ҚАЙИР II *шв.* Қовун экиладиган бўз ер.

ҚАЙИРМА 1 Қайириладиган, қайтариладиган; букиладиган; буклама. *Қайирма пичоқ.* ▬ *Қайирма ёқа кўйлак устидан Кийиб олган янги чопонни.* Э. Раҳим, Янги қадам.

2 Эгилган, букилган, қайрилган. *Узун ёғоч бошига боғланган қайирма учли ўткир темир ойдинда ялтирарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Тепки (милтиқ, тўппонча ва ш.к. да).

ҚАЙИРМОҚ 1 Букиб қаватламоқ, букиб қаватлаб қўймоқ, қайтармоқ. *Гиламни қайириб қўймоқ. Дастурхоннинг четини қайириб босмоқ.* ▬ *Этиги лой бўлганидан, Йўлчи танчага ўтирмай, наматнинг учини қайириб, пастроққа чўккалади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Енглари шимарилган Комилжон, этагининг пешини қайириб олган Давронов энг олдинда борарди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Эгмоқ, букмоқ, эгиб, букиб қийшайтирмоқ. *Михни қайирмоқ. Дарахтнинг шохини қайирмоқ.* ▬ *Ер кетмоннинг бетини қайирадиган даражада тош-метин бўлиб музлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ғуломжон кўрди-ю, шарпа ваҳимини ҳам унутиб, шохларни икки ёнга қайирди-да, орасидан суқилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Эгиб, букиб ёки буриб, бирор томонга қайтармоқ ёки синдирмоқ. *Қўлларини қайирмоқ.* ▬ *Жўхорини амакимнинг ўғли учдан бирга қайириб, уқалаб келтириб берди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

4 Бурмоқ, буриб бирор томонга йўлламоқ, бошламоқ, янги изга солмоқ. [*Очил ака:*] -*Бу ҳазил гапми? — деди-да, бригадаси томон отининг бошини қайирди.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар. *Оқбўранинг ярмини эмас, тўртдан бирини қайириб келганимиздаям, қишлоғимиз — кўл, ўзимиз — ўрдак бўлардик-ку!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 *кўчма* Ёмон йўлдан қайтармоқ; ўз йўлига солмоқ. *Ҳой, калла.. Эр деганни хотин қайириб олиши керак. Ҳозир қайириб олмасанг, кейин ҳолингга маймунлар йиғлайди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Баъзи бир амал эгаларининг оғзини мойлар, агар.. райондан чиққан бирортасини шундай сийлай олса, «Қайирдим, бу энди ўзимизнинг одам», деб кўп талтаяр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Қайтариб олмоқ, олиб, ушлаб, чегириб қолмоқ. *Қарзимни қайириб қолди.* ▬ *Булар [косиббаччалар].. чойга, нонга, ўтинга, туз-қалампирга ортиқча пул тўлаб кетар эдилар. Албатта, мен уларни ўз чўнтагимга қайириб қолар эдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Шохини қайирмоқ (*ёки* **синдирмоқ**) Бирор ёмон ниятдан воз кечишга мажбур қилмоқ; таъзирини, адабини бермоқ. *[Муаттар:] Бир яланғоёқ Пўлатнинг шохини қайиролмаган йигит осмондаги юлдузга қўл чўзса, қизиқ бўлар экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Қайириб ташламоқ** 1) жеркиб, силтаб ташламоқ, қаттиқ ўшқириб, гапини бўлмоқ. -*Бечора болаларни иссиқ инларидан қувиб чиқарганларинг ҳам етар, тахтада нима гуноҳ! Ёқма! — деди Ғуломжон. Лекин қози уни қайириб ташлади: -Оғзингни юм, бетавфиқ!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) баланд келиб, (бировнинг гапини, фикрини ва ш.к. ни) рад қилмоқ, беҳудага чиқармоқ. **Қанотини қайирмоқ** *қ.* **қанот 1**.

ҚАЙИШ I **1** Пардозланмаган, яхши ишлов берилмаган хом чарм; паст навли чарм. [*Сипоҳлар*] *Оқ қайишдан камар, сўлига қилич осилиб, ўнг томонига тўппонча қистирилган, ҳар қаторда тўрттадан отлиқ келмоқда эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Давидбой узун қайиш қамчисини ҳавога кўтариб, жиловни бўшатди, отлар олдинга интилиб, тарақ-туруқ билан йўртиб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Турли мақсадлар учун ишлатиладиган узун чарм тасма (камар, тиркиш, боғич ва ш.к.). *Ўктам этигини аскарча қунт билан тозалаб, қайишни бўшатиб, кўрпачага ўтирди.* Ойбек, О.в. шабадалар. -*Улар бир-бирларини қўллашади: ясовулбошини қозикалон, қозикалонни хон, — деди* [*Аваз*] *устарасини қайишга қайраб туриб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бадиа отининг олдига келиб, уни эркалади, эгар, жабдуқ уриб, қайишларини маҳкамлаб боғлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *айн.* **тасма 3**. *Вентилятор қайиши.*

ҚАЙИШ II *шв.* Хамир овқатнинг бир тури: сувда пиширилган хамирни сузма ёки қатиқ билан аралаштириб ейилади.

ҚАЙИШМОҚ 1 *айн.* **майишмоқ**. *Отнинг ингичка бели сал қайишиб, унинг устидаги чавандоз аста чайқалди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мингбошининг буйруғи, эрининг ғазабли ҳайқириғи билан қадди букилиб, оёқлари қайиша бошлаган Жўрахон бир неча*

зум ўзини йўқотиб турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бели қайишмоқ 1) *айн.* **майишмоқ**. *Кўзларингиз хираланиб, белингиздан куч кетганда, елкангиз букчайиб, белингиз қайишганда, оғир ишга буюрганлари тўғрими, ахир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) бели толиб увушиб, қотиб қолмоқ. *Нигора.. эгарда энгашиб ўтирганидан қайишиб қолган белини энди ростлаган ҳам эдики, қаршидаги буталар орқасидан бир кўппак отилиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой; 3) *кўчма* меҳнат қилмоқ, тер тўкмоқ. *Ерни белингиз қайишиб топганингизда, жонингиз ачир эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Тоб ташламоқ, букилмоқ. *Тахта қайишиб қолибди.*

3 *кўчма* Бирор ишга бўй бермоқ, эгилмоқ. *Бас энди, ёта берма. Сал меҳнатга ҳам қайиш.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *..аста-секин уй юмушларига қайишяпти бечора.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

4 *кўчма* Жон куйдирмоқ; бўлишмоқ. *Мансурқори ака камбағал оиладан бўлгани учун, албатта, ўз камбағалига қайишарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бир хил қизлар бор, қийин аҳволга тушган йигитга кўпроқ қайишади.* П. Қодиров, Қадрим.

Қовурғаси қайишмоқ Ачинмоқ, куйинмоқ. *Синглим учун қовурғам Қайишади, ёр-ёр.* «Оқ олма, қизил олма». *Йигитсан, қовурғам сенга қайишади..* «Муродхон».

ҚАЙИШҚОҚ Эгилувчан, эгилса ҳам синмайдиган; эластик. *Қайишқоқ металл. Қайишқоқ ёғоч.* ▬ *..кичик ва ўрта ёшдаги мактаб болалари гавдасининг суяклари таркибида органик моддалар жуда кўп бўлади, шунинг учун ҳам қайишқоқ бўлади.* «Фан ва турмуш».

ҚАЙИҚ Дарё, кўл ва б. сув ҳавзалари учун мўлжалланган сузиш воситаси. *Эшкакли қайиқ. Моторли қайиқ. Қайиқ ҳайдамоқ.* ▬ *Мени дарёдан Умурзоқ ота деган чол қайиқда ўтказиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қайиқлар кўприкка етар-етмас тўхтади. Талабалар қирғоққа чиқишди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАЙИҚСОЗ Қайиқ ясовчи уста.

ҚАЙИҚСОЗЛИК 1 Қайиқ ясаш иши, касби. *Қайиқсозлик қилмоқ.*

2 Халқ хўжалигининг қайиқ ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тармоғи. *Қайиқсозлик корхонаси.*

ҚАЙИҚЧИ 1 Қайиқни юргизувчи, бошқарувчи, қайиқ ҳайдовчи. *Кўприк йўқ экан, дарёдан ўтай деб, қайиқчини чақирибди. Қайиқчи пул сўраса, полвон муштини кўрсатибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *айн.* **қайиқсоз.**

ҚАЙЛА 1 Майда тўғралган гўшт ва сабзавотдан қовуриб тайёрланадиган, сўнгра тайёр овқат устига солинадиган қўшимча масаллиқ. *..пиёзлари қип-қизил қовурилган қайлали мошкичиридан кўзга илинар-илинмас ҳовур кўтарилади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 *шв.* Овқатга солиб пиширилган шапалоқ-шапалоқ ҳолдаги хамир, шундай хамирли таом. *Аммам боёқиш ёғли қайла қилди. Иштаҳа билан едим.* Ойбек, Болалик.

3 *махс.* Майда чарм резгилари билан сирачдан тайёрланган қуюқ, бўтқасимон қоришма (пойабзалдўзликда ишлатилади).

ҚАЙЛИҚ *шв.* Қаллиқ. *Қайлиғинг қани? Ё сен ҳам паранжи ёпинтириб қўйдингми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАЙМОҚ 1 Бир неча вақт турган, сақланган сут бетида пайдо бўладиган ёки сутдан сепаратор ёрдамида ёки бошқа йўл билан ажратиб олинган қуюқ, ёғли маҳсулот. *Қуюқ қаймоқ. Яхши сутнинг қаймоғи сермой бўлади.* ▬ *Сутдан қаймоқ, қатиқ, сариёғ тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Қаймоқ боғламоқ 1) бетида қаймоқ қатлами ҳосил бўлмоқ; 2) *кўчма* бети қаймоқ каби парда билан қопланмоқ. *Сув қаймоқ боғлабди (яъни юпқа муз билан қопланибди). Мураббо қотиб, қаймоқ боғлабди.* **Қаймоқ чой** Қаймоқ солинган чой, қаймоқли чой. *Шодимат.. асалга аралаштирилган сариёққа нонни ботириб, қаймоқ чой билан роса туширди.* А. Муҳиддин, Ошналар. **Қаймоқдек ёқди** Жуда маъқул тушди, жуда ёқди. *Унинг бу сўзлари менга қаймоқдек ёқди.*

2 *кўчма* Киши ёки нарсаларнинг энг яхши қисми, сараси, асиллари. *Йигитларнинг қаймоғи фронтда.. Лекин иш сустлашгани йўқ.* С. Зуннунова, Олов. *-Жуда соз,* — *қичқирди Ўсаржон.* — *Сўзнинг қаймоғи* — *танқид!* Ойбек, О.в. шабадалар.

3 *кўчма* Бирор иш, нарса ва ш.к. нинг натижаси, ҳосили, хулласи. *Ернинг қаймоғи — меҳнат қилганники.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Қаймоғини олмоқ 1) сутнинг қаймоғини ажратмоқ; 2) *кўчма* натижасини ёки хулласини олмоқ. *Бир йиллик меҳнатимизнинг қаймоғини оладиган вақт келди.*

4 *с.т.* Сув бетига ялпоқ тош ёки бошқа нарсани отганда, унинг бир неча бор сув бетига тегиши, шу тегишдан ҳосил бўладиган ҳолат. *Нодир билан Музаффар пастроқда ким кўп «қаймоқ» қилиш ўйнашарди. Нодир.. яссироқ тош олиб, сув оқимига қарата отар, тош эса сув юзида сакрай-сакрай, беш-олти «қаймоқ» ҳосил қиларди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚАЙМОҚДОН Қаймоқ солинган, солинадиган идиш. *Беш тийинга ярим қаймоқдон қаймоқ, икки тийинга битта обинон олиб, бир чеккага чўнқайиб, қаймоқ ея бошладим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚАЙМОҚЛАНМОҚ 1 Қаймоқ боғламоқ (сут ҳақида).

2 *кам қўлл.* Қаймоқ тегиб мойланмоқ.

Лаби (*ёки* **оғзи) қаймоқланди** Лабига қаймоқ тегди; қаймоқ еди. *Бойвуччанинг қизил лаби қаймоқлансин деб, Илк саҳардан оқшомгача пода боқасан.* Ғ. Ғулом.

ҚАЙМОҚЛАШМОҚ *с. т.* **1** Қуюқ суҳбатлашмоқ, гурунглашмоқ, қуюқ суҳбат билан вақт ўтказмоқ. *Муроджоннинг буваси у билан қаймоқлашгани-қаймоқлашган.* Н. Мақсудий, Умидли бола. *Икки дўст то пешингача қаймоқлашиб ўтирдилар.* С. Сиёев, Аваз. *..Ўзи бир жонон билан қаймоқлашиб турарди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

2 *кўчма* Қуюқлашмоқ; кучаймоқ; кўнгилли, ёқимли тус олмоқ. *Ўртада гап қаймоқлашиб, Иброҳимхўжанинг тузоғига Муҳаббатхон, Муҳаббатнинг тузоғига Иброҳимхўжа илинган экан.* «Муштум». *Тошемирнинг Иван ака билан дўстлиги тағин ҳам қаймоқлашди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ҚАЙМОҚЛИ Қаймоғи бор; қаймоқ солинган. *Қаймоқли нон.*

ҚАЙМОҚХЎР Қаймоқ ейишни яхши кўрадиган; қаймоқни кўп ейдиган. *Қаймоқхўр одам.*

ҚАЙМОҚХЎРЛИК Мириқиб, тўйиб қаймоқ ейиш, қаймоққа тўйиш. *Қаймоқхўрлик қилмоқ.* ▬ *-Бахтимизга бобо фермада эканлар, юр, қаймоқхўрлик қиладиган бўлдик, — дедим Муродга.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ҚАЙНАМА 1 Катта сой, дарё ва ш.к. нинг сув уюрмаланиб, қайнагандай варақлаб турадиган жойи; гирдоб. *Амударёда тош йўқ ҳисоб. Аммо гирдоб — қайнамалар жудажуда кўп.* Газетадан.

2 *махс.* Ариқ сувини йўл остидан ўтказиш учун мўлжалланган гидротехника иншооти. [*Сув*] *Қайнама — бетон ҳовузчалар орқали ерости қувурларига қуйилиб, дала ёқалаб югура кетди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Қайнама қуришда ёғин сувлари ҳам ҳисобга олинади.* «ЎзМЭ».

ҚАЙНАМОҚ 1 Кучли иссиқдан кўпириб, буғланиб вақирлаб турмоқ. *Юз градус иссиқликда сув қайнайди. Қозонда шўрва қайнамоқда.* ▬ *Бақирлаб қайнаётган дорини биров қошиқ билан шопириб турди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

2 *кўчма* Қайнаган ҳолатни билдирувчи товуш чиқармоқ (ичида сув, суюқлик бўлган идиш ҳақида). *Самовар қайнади. Тикилган қозон қайнамас.* Мақол. ▬ *Печка устида учта котелок [қозонча] буғ бурқтириб, шақирлаб қайнарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *кўчма* Худди қайнаган кўринишли ҳолатда бўлмоқ; отилиб чиқмоқ (булоқ, дарё кабилар ҳақида). *Аммо дарё қайнар, кўпирар — Тўнка остин ялаб ўпирар.* «Муштум». *Қадимий чинор тагида чойхона, унинг ҳовлисида биллурдек тиниқ чашмалар қайнаб ётади.* Газетадан. *Қайнаб тошсин нефть булоқлари.* Ё. Мирзо. *..уларнинг ҳозирги ҳолларини сезиб ётган Кумушнинг-да қайнаб чиққан кўз ёшлари икки чеккасидан ёстиққа оқиб туша бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Пишмоқ, пишиб ейишли ҳолга келмоқ. *Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас.* Мақол. ▬ *Декчада сабзи-пиёз ҳам мириқиб қайнади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. [*Пулдорларнинг*] *Қоринлари тўқ. Бола-чақалари роҳатда, уйларида қази-қарта қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Ачимоқ, бижғимоқ, ачиб-бижғиб бижирламоқ; шу тариқа етилмоқ. *Бочкага босилган узум қайнай бошлади.* ▬ *Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тириклик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 *кўчма* Кучли хатти-ҳаракатли, қўзғалган, тўлқинланган ҳолатда бўлмоқ (кўпчилик одамлар ҳақида). *Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб, узоқ юрди.* Ойбек, Навоий. *Кун совуқ, лекин бозор қайнарди.* Ойбек, Улуғ йўл.

7 *кўчма* Кучли, қизғин тус олмоқ. *Далаларда иш қайнайди: кимлар пахта теради, кимлар беда ўради, кимлар шудгор қилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уста Ҳазратқулнинг қурилиш майдончасида ҳам меҳнат қайнайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

8 *кўчма* Жаҳли, асаби кучли қўзғалмоқ. *Телефон дастасини қўпол ҳаракат билан, пешонасидан тер чиққунча айлантиради-да, жавоб ололмай қайнаб кетади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

9 *кўчма* Айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўзлар англатган нарсанинг кучли, ортиқ даражада бўлишини билдиради. *Ичида қайнаган ҳислар булоғи қўлига қалам олдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен унча-мунчага бепарво қизлардан, деб юрсам, ичида шунақа фикрлар қайнаб ётган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Жапақнинг миясида саволлар қайнаб тошди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ростини айтсам, шу замонда гап-сўз қайнаб кетган, лекин буровининг ҳам маъноси йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

10 *кўчма* Ниҳоятда исимоқ; «ёнмоқ». *Кун қайнаб кетган. Тўрт томонни ёндириб ётган саратон оловининг тафти чайла ичкарисига дам-бадам урилади.* «Ёшлик».

11 *кўчма* Кўп миқдорда тиқилиб кетмоқ. *Булоқда балиқ қайнаб ётибди.* ▬ *Бу коридорда танаффус вақтида одам қайнайди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳовлига чиққанда, катта ҳовли хотинлар билан қайнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ичи қайнамоқ Диққати ошмоқ, асаби қўзғамоқ. *Қаршибой ота.. саломатлигини йўқотган ошнасига озор беришни истамаса ҳам, ичи қайнаб кетди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар.. *Унинг ишига разм соларкан, ичи қайнаб кетгудай бўларди-да, жаҳли чиқиб: -Ё ҳайдаб юбораман, ё чаққон ишлашни ўргатиб қўяман, — дерди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Шўри қайнади** *айн.* **шўри қуриди** *қ.* **шўр.** *-Яна камбағалларнинг шўри қайнайди денг.. — деди Йўлчи ғазабланиб.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қони қайнамоқ** 1) қони жўш урмоқ. *Томирларда қони қайнаб, кўзларидан ўт чақнарди, мушак гўштлари пўлатдай қотиб кетган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) қаттиқ жаҳли чиқмоқ, тутақмоқ. *Самандаровнинг қони қайнаб кетди: -Мундай гапирсангиз-чи. Забон борми!?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАЙНАНА Қайин она (эрнинг онаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг онаси унинг эрига нисбатан). *Фотиҳа ўқилиб, куёв қайнанага узр айтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЙНАТА Қайин ота (эрнинг отаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг отаси унинг эрига нисбатан). *Эри ва нодон қайнатасидан туҳматга қолганида, Жўрахон уни* [*Ҳафизани*] *ҳимоя қилиб, судда бир соат гапирган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сидиқжон қайнатаси Зуннунхўжанинг «Сиз менинг ҳам куёвим, ҳам ўғлимсиз», деганини эслаб, кулиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАЙНАТМА 1 Қайнатиб, яъни қовурмасдан пиширилган, тайёрланган (асосан таом ҳақида). *Қайнатма шўрва.*

2 *махс.* Қайнатиб тайёрланган нарса, дори. *Қадимдан гулхайрининг қайнатмаси билан кўкйўтал, ўпка шамоллаши.. каби касалликлар даволанган.* Газетадан.

ҚАЙНАТМОҚ Қайнамоқ 1, 2, 4, 5, 8, 9 фл. орт. н. *Сув қайнатмоқ. Чой қайнатмоқ. Шўрва қайнатмоқ. Самовар қайнатмоқ. Қонини қайнатмоқ.* ▬ *Назаровнинг муваффақиятлари унга тинчлик бермади, ғазабини қайнатарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАЙНАҒА Қайин оға (эрнинг акаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг акаси унинг эрига нисбатан). *Ишқ завқидан чала маст бўлган Лаъли чўзиқ-чўзиқ хуррак тортаётган эрини аллақачон унутиб юборганидек, қайнағасининг айвондан тикилиб турганини ҳам сезмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҚАЙНИ Қайин ини (эрнинг укаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг укаси унинг эрига нисбатан). *Эрталабки чойдан сўнг уста Олим ўзининг қайниси билан.. ипакка оҳор бериш ила овора эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЙНОВ Қайнамоқ фл. ҳар. н. *Қайнови тиниб ётган қозон.*

Бир қайнови ичида (*ёки* **кам)** Ақли пастроқ, етишмайдиган; думбул.

ҚАЙНОҚ 1 Қайнаган, қайнаб турган; куйдирадиган даражада иссиқ. *Қайноқ сув. Қайноқ шўрва. Қайноқ чой.*

2 Ҳарорати баланд; ҳароратли, иссиқ. *Қизининг ҳасратини тушунган она унинг қалин сочларини, қайноқ пешонасини силай бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шербекнинг қайноқ нафаси урилганиданми, Нигоранинг юзлари ловуллаб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Жўш урган, авж олган; қизғин, жўшқин. *Қайноқ иш. Қайноқ меҳнат. Қайноқ жанг.* ▬ *Тўғонбек.. қайноқ сиёсий курашларга.. боши билан шўнғиди.* Ойбек, Навоий. *Шу қайноқ вақтда чўққайиб, бир пиёла чойни юз қултум қилади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

4 *кўчма* Кучли, кучайган, тўлиб-тошган, ошиб-тошган. *Қайноқ ғазаб. Қайноқ қасос ҳисси.* ▬ *Ҳозир уларнинг дийдор кўришлари, биринчи марта бошларидан кечираётган қайноқ туйғулари.. ҳар қандай ўпичлардан кўра баландроқ, софроқ эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

5 *кўчма* Куч-ғайратга тўлган, куч-ғайрати тўлиб-тошган; оловли, ўтли, оташин. *Қайноқ ёшлик. Қайноқ юрак.* ▬ *Бу қайноқ ёшлар.. Шодлик ёши, учрашув ёши. Иккимизнинг қалбимизни ҳам Қиздирарди зафар қуёши.* Уйғун.

6 *кўчма* Одамлар билан тўлиб-тошган, одамлар ғужғон ўйнаган. [*Йўлчи*] *Икки қулоч арқонни белбоғ устидан бойлаб, ҳаммоллик қилиш учун бозорнинг энг қайноқ жойига борди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЙНСИНГИЛ Қайин сингил (эрнинг синглиси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг синглиси унинг эрига нисбатан). *Улар* [*Нурининг келинойилари*] *шошиб-пишиб ўринларидан туришди-да, қайнсингилни қарши олиш учун ҳовлига тушишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЙНЭГАЧИ Қайин эгачи (эрнинг опаси унинг хотинига нисбатан ва хотиннинг опаси унинг эрига нисбатан).

ҚАЙРАЛМОҚ 1 Қайрамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Яхши қайралган пичоқ.*

2 Тобланмоқ, чиниқмоқ. *Меҳнатда қайралган йигит.*

ҚАЙРАМОҚ 1 Тош ёки бошқа нарсага ишқаб ўткирламоқ, чархлаб, ўткир, кескир қилмоқ. *Устарани қайрамоқ. Пичоқ қайрамоқ.* ▬ *Этигининг қўнжидан пичоқ чиқариб, пиёланинг орқасига қайрай бошлади.* Т. Алимов, Одамсиз уйлар.

2 *кўчма* Пешламоқ, ўткирлаштирмоқ. *Иродани қайрамоқ. Онгни қайрамоқ.* ▬ *Кўпчилик ўртасида гапира оласанми? Лабдаҳанни бир қайраб, ишга солгин бўлмаса, ука.* П. Турсун, Ўқитувчи. *А. Қодирий юқорида номлари саналган газета-журналларда фаол иштирок этиб, қаламини қайрайди.* Газетадан.

3 *кўчма* Бирор кимса, ташкилот, мамлакат ва ш.к. ни бошқасига қарши гижгижламоқ, тезламоқ, хезламоқ, оёқлантирмоқ. [*Сухсуров:*] *Идорадаги душманларим сизни ҳам қўлга олганини, менга қарши қайраб солганини билардим.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Ҳаммани раисга қарши қайраб қўйиб, энди ётиғи билан гаплашмоқчимисиз?!* «Муштум».

Тишини қайрамоқ 1) ейиш-ичишга тайёрланмоқ, дам сақламоқ. *Тишингни қайраб тур, ука, сал қўл бўшасин, катта тўй қилиб бераман. Атайлаб битта хумга чаросни босиб қўйдим!* Ойбек, О.в. шабадалар; 2) ўч олиш мақсадида ёки умуман ёмонлик қилиш ҳаракатида бўлмоқ, шунинг пайида бўлмоқ. *Душманлар писиб юрган бўлсалар ҳам, алам ичида тишларини қайраб юрибдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи; 3) умуман, бирор нарса хатти-ҳаракатида, илинжида, истагида бўлмоқ. *Йигитларнинг сараси чўлга қайраган тишин.* Р. Бобожон. *Янги машинада мунча пахта тераман деб, пул, орден, мукофотларга тишини қайраб юрганлар ундан кўп.* С. Нуров, Нарвон; 4) *кам қўлл.* ғазаб билан тишларини ғижирлатмоқ. *Арслонқул тишини қайраб, Тўғонбекка ўқрайди-да, тез юриб кетди.* Ойбек, Навоий.

ҚАЙРАҒОЧ Ёғочи қаттиқ, шохлари тиғиз жойлашган, барги майда ва тўқ рангли, қалин соя берадиган, сувсизликка чидамли дарахт. *Бир боғ жўхорипоя аравага ўқ бўлмайди, лекин битта қайрағоч бўлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қурғоқчиликка чидамли дарахтлардан яна бири майда баргли қайрағочдир.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Тут ёғочдай мевали онам, Қайрағочдай мевали онам..* «Оқ олма, қизил олма». *Яқиндагина уст-бошини тузатиб, қорамтир кўк тусга кирган қайрағоч дарахтлари..* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚАЙРИЛИШ 1 Қайрилмоқ фл. ҳар. н.

2 Йўл, ариқ, дарё ва ш.к. нинг бурилиб, ўз йўналишини ўзгартирадиган жойи; қайилиш, бурилиш. *Маҳаллага қайрилишда, гўё уни кутиб турган каби, элликбоши Олимхон учраб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шарқдан узоқ йўл босиб келган поезд.. разъезд қайрилишига етганда.. тун қоронғисида кўздан ғойиб бўлди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ҚАЙРИЛМА 1 Ёйсимон эгилган, ёйсимон эгилиб, қайрилиб турадиган. *Усмонжонни кўрган Адолат секин кўзини пастга олди. Узун қайрилма киприклар соя ташлади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Чакка сочларини қўнғир қилиб, пешонаси устига ярим ойдек қайрилма гажак тушириб юради.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Қайриладиган, қайтариладиган, йиғма. *Қайрилма сопли пичоқ.*

3 Қайтариб қўйиладиган, қайтарма. *Мирза Баҳром қайрилма ёқа жужунча камзулининг қўйин чўнтагидан кичкина дафтарча чиқариб, Тавҳидийга берди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

ҚАЙРИЛМОҚ 1 Қайирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Китобнинг варағи қайрилиб қолибди. Мих қайрилиб кетяпти.* ▬ *Эҳе, машина лиқ тўла темир асбоб. Бир хили ўроққа ўхшаб тиғи қайрилган.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. [*Саодат*] *Ҳосили кўплигидан шохи ерга қайрилиб тушган олма дарахтларига узоқ тикилди, нималарнидир ўйлади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Булбули гўё эдим, синди қанотим қайрилиб, Не гуноҳим бор эди — қолдим онамдан айрилиб.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

2 Бурилмоқ, ўгирилмоқ. *Эркак тўнига яхшироқ ўранди-да, орқасига қайрилиб, уй томон йўл олди.* Н. Аминов, Суварак. *Қутидор ҳовлисига қайрилар экан, бек билан хайрлашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тозилар қайрилди келган йўлига, Офтобой эргашди тозиларига.* «Рустамхон». *Ғуломжон тўхтаб, орқасига қайрилди. Мадаминхўжа етиб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Букилмоқ, букчаймоқ; мункаймоқ. *Бағри тош қайрилма қош менга насиб қилгаймикин, Ёки қаддим қошидек ҳажрида қайрилгаймикин.* С. Аҳмад, Ҳукм.

4 *кўчма* Эътибор бериб қарамоқ, парво қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ. *Қайрилмаганга қайишма.* Мақол. ▬ *Сен қайрилсанг мендай мунглиғ ҳолига, Билмайман кетдими Оқтош элига.* «Рустамхон». *Ким бизга қайрилди, Очлик, қаҳат тўрт томон.* Миртемир. [*Рокия:*] *Вой, юртда нима кўп, қиз кўп.* [*Турғун:*] *Кўп бўлган билан биронтаси қайрилиб қарамаса.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

Пихи қайрилган *қ.* **пих** I. *Пихи қайрилган тафтишчилар ҳам бирон марта камомад тополмаганлар.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ҚАЙРОҚ 1 Кесувчи асбобларнинг тиғини ўткир қилиш учун ишлатиладиган, одатда, узунчоқ ва япалоқроқ силлиқ ёки махсус ишланган тош. *Тош туз туйиладиган ўғир ичидан узун қайроқни олиб, пичоқни қайрай бошлади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Касбим — сартарошлик. Битта қайроғу битта устара дастмоя..* Газетадан.

2 Жисми садоланувчи урма чолғу; раққос(а)лар қўлда шиқирлатиб ўйнайдиган бир жуфт чўзинчоқ (қайроққа ўхшаш) тош. *Шермат билан Алишернинг ёғочоёқда туриб, қайроқ билан уфорига ўйнашини айтмайсизми?!* М. Қодиров, Асака дорбозлари. *Хоразм қайроқлари яна қайси халқ қўлида шундай жаранглаши мумкин?* «Шарқ юлдузи».

3 (*3-ш. эгалик шаклида* — **қайроғи**) *кўчма* Умуман, ўткирловчи, чархловчи нарса. *Китоб — ақл қайроғи. Қўлнинг кучи бирни енгса, билимнинг кучи мингни енгади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 *айн.* **қайроқи.** *У қайроқ буғдой унидан ёғли патир, сомса ёпди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАЙРОҚБОЗ Қайроқ шиқирлатиб ўйновчи раққос(а).

ҚАЙРОҚБОЗЛИК Қайроқ шиқирлатиб ўйнаш, қайроқ билан рақс тушиш

ҚАЙРОҚИ 1: қайроқи ер (*ёки* **тупроқ)** Тоғ этакларида тош қатлами устида пайдо бўлган, соз тупроқли, деҳқончилик учун яроқли ер. *Тоғлик районларда ва тоғ этакларидаги районларда, қайроқи ерларда боғдорчилик, узумчиликни, полизчиликни ривожлантирамиз.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. **Қайроқи экин** Шундай ерларга экиладиган экинлар.

2 Шундай ерларда, Ўзбекистонда ва умуман Ўрта Осиёда етиштириладиган йирик буғдой нави. *Қайроқи буғдой.* ▬ *Мана, Элгелди бовур, қизинг супрасига яратиб тур-*

син, қайроқи ун.. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 *кўчма с.т.* Юқори сифатли, ишлов берилган нарсаларга нисбатан қўлланади. *Катта тажрибаси, кенг билими.. халқ мақоллари ва маталларидан, қайроқи сўз ва ибораларидан моҳирлик билан фойдаланишига имкон бермоқда.* Газетадан. *Анави нақшинкор, қайроқи балконларни айтмайсизми! Гулпанжаралари ипакдан тўқилган каби.* С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак. *Иккала ҳамдард, Пирзоданинг таъбирича, қайроқи қорадоридан данак миқдорида отишиб, кейинидан чойхўрликка тутинишди.* «Шарқ юлдузи».

ҚАЙРОҚТОШ 1 *айн.* **қайроқ 1**. *Ёрмат қизидан хурсанд бўлди.. Пичоқ, қайроқтошни ва гўшт-мой солиш учун тоғораларни тозалаб, тайёр қилишни буюрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Силлиқ ёки қайраб, чархлаб, махсус шакл берилган тош. *У гапирар экан, Петербург шаҳрининг майда қайроқ тошлар терилган кенг-кенг кўчалари.. кўз олдидан ўтарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚАЙСА Бутунлигича данаксиз қуритилган ўрик. *Қайса тайёрлаш учун яхши пишган ўрик, данаги билан 2-3 кун сўлитилгач, данаги мева банди ўрнидан сиқиб чиқарилади ва.. қуритилади.* «ЎзМЭ».

ҚАЙСАР [*а.* قيصر – подшоҳ < *лот.* caesar < Caesar – Рим императори Гай Юлий Цезар номидан] **1** *от* Рум подшоси; умуман, подшо, ҳоқон. *Жаҳоннинг фотиҳи Искандар, Рум қайсари, қотил Чингиз.* Ғ. Ғулом. *Урушга кирганда – қоплон юрагинг, Қайсар сифат болам, қайдин бўласан?* «Рустамхон».

2 *сфт.* Тутган ерини кесадиган; ўжар, тихир, терс. *Қайсар бола.* ▬ *Тура қолинг, энди жуда пайти, одам бунчалик қайсар бўлмайди. Узр сўранг, узр.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Қайсар Зуҳрага гап уқтириш қийинлигини билган Йўлдош юк халтасини елкасига осди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

3 *кўчма* Киши иродасига бўйсунмайдиган; ўжар, асов. *Қайсар табиат.* ▬ *Қайсар сув яна кўтарила бошлади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Лекин фактлар қайсар нарса, уни хаспўшлаб бўлмайди.* А. Эшонов, Ҳ. Умаров, Одамларни ўйлаб.

ҚАЙСАРЛАНМОҚ *кам қўлл.* Қайсарлик қилмоқ. *-Сиздақанги раисдан-чи тўққизтасини шу столда, ҳа, шу столда кўрдим, – деб Денисенко қайсарланди.* И. Ўктамов, Сирли қотиллик.

ҚАЙСАРЛИК Ўз билганидан, тутганидан қайтмаслик; ўжарлик. *-Нима десангиз денг, ойижон, бари бир унга* [*Холдорга*] *тегмайман, – деди қайсарлик билан Малика.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

Қайсарлик қилмоқ Ўз билганида, тутганида туриб олмоқ, ўзганинг айтганига, йўлига юрмаслик. *Дастлабки кунлардаги сўроқлардан натижа чиқмади. Қобил қайсарлик қилиб, ўз сўзида туриб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Терговчи, гапи мўлжалга текканини сезди, энди бобо қайсарлик қилиш фойдасизлигини тушуниб, ҳамма гапни айтиб беради, деб кутган эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ҚАЙСИ *сўр. олм.* **1** Бир неча киши ёки нарсадан биттасини аниқлаш учун бериладиган сўроқни ифодалайди. *Отабек гангиб, шошиб сўради: -Қайси қизига унашиб келдингиз? -Кутидорнинг ёлғиз қизига! – деди Ҳасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қаймоқни бир ялаб, қайси шаҳарнинг қаймоғи эканини айта оласизми? Мен дарров айтаман.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти – бир бутун.

2 Киши ёки нарса белгиси, хусусияти, сифати ҳақидаги сўроқни ифодалайди: қандай, қанақа. *Иккинчи эҳтимол: Гулнорни олиб қочганлар. Жиноятчи чиркин қуллар бор! Улар ким? Қайси мақсад билан бу жиноятни бажарадилар? Буни билмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Боғловчи сўз (нисбий сўз) вазифасида қўлланади. *Сен қайси йўлдан бошласанг, шу йўлдан юраман.*

Қайси бир *гум. олм.* Кимлиги, қандай, қаерда ёки қачонлиги номаълум; аллақайси, аллақандай, аллақаерда(ги). *Қайси бир куни. Қайси бир шаҳарда.* ▬ *Қайси бир ковакда чумчуқ болалари чирқиллайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..беш-олти йил бурун қайси бир идоранинг извошини минар экан..* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Қайси куни** Бундан бир неча кун аввал; тунов куни. *Қайси куни Худойқулнинг янги кўйлак-иштонда қувончи ичига сиғмай юрганини кўриб, кўзларимдан ёш чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қайси куни отаси, «Иккинчи теримга туша-*

миз», дегандек бўлиб эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАЙСИКИ 1 *боғл.* Бош гапдаги бирор отни (кўпинча эгани) аниқлаб келадиган эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. *Бешкапа қишлоғидаги бирдан-бир аёл, қайсики юз процент тушунмаган.. Тўфанисо Мелиева қишлоқнинг отидан норози бўлиб шундай деган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кам қўлл. айн.* **қайси 1**. *Қайсики қишлоққа тушар отидин, Элни йиғиб, воқиф этар зотидин.* Муқимий.

ҚАЙТ [*а.* قيء — қусиш; қусуқ]**: қайт қилмоқ** *с. т.* Кўнгил айниб, еган-ичганини қайтариб ташламоқ; қусмоқ. *Пиёз ҳидиданми, оғзидан кўпик чиқа бошлади, сал ўтмай қайт қилиб юборди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Қиз ўпкаси оғзига келгандек, нафаси бўғилиб, қайт қилолмай тўлғана бошлади.* А. Мухтор, Чинор.

ҚАЙТА 1 Янгидан, бошқатдан, яна (аввал мавжуд бўлган ҳаракат, ҳолатнинг давоми, янгидан юз бериши маъносида). -*Саодатхон эндигина ёпган зонтини қайта очди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Муяссар қабристондаги бойўғлининг ваҳимали «ҳув-ҳув»лашидан уйғониб кетди-да, қайта ухлай олмади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Лолалар бир оз уринқираган, аммо вазадаги сув унга қайта ҳаёт бахш этган эди.* «Гулдаста».

2 Такрор ҳолда, такроран, яна. *Ғафур Ғулом билан бир кўришганимча, қайта учрашишга журъат қилолмай юрардим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Темиржон кетишни ҳам, қайта қўнғироқ тугмасини босишни ҳам билмасди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Аввалгисидан фарқли ҳолда, маълум ўзгаришлар билан; бошқатдан. *Навоий бу бинони қайта ишлатган: биринчи маротаба шарқ наққошлигига хос ранг-баранг нақшин гуллар билан безатган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..карнизи фақат тўрт энлик чиқарилганлиги учун ёмғир-чочин девор сувоқларини ювиб кетади, деб томини қайта ёпар эмишмиз.* «Муштум». *Коридорлар.. фан кабинетлари юксак дид билан қайта жиҳозланди.* Газетадан.

4 (*снқ. сонлар билан*) Марта, карра. *Пулни икки қайта санамоқ.* ▬ *У чоқларнинг лаззатини шунда яна бир қайта ялагандек, лаблари титради, юраги урди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабек тўғрисидаги ташвиш боягидан ўн қайта ортган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *айн.* **қайтага.** *Қайта бизникига бора қолайлик.* ▬ *Кутилган пайт келди. Лекин ёмғир ва шамол бўлгани қайта яхши бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гапиринг, изза қилинг. Болалар мактабда ўқиб, қайта бевош бўлиб кетяпти.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Қайта ишлаш 1) ишлаб, тузатиш, ўзгартишлар киритиш, шу мақсадда ишлов бериш. *Асарни қайта ишлаш. Мақолани қайта ишлаш.* ▬ *Ўгириш ишида киностудиянинг монтаж, овоз, фильмни қайта ишлаш ҳамда мураккаб съёмка цехлари фаолият кўрсатади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш; 2) янги маҳсулот олиш мақсадидаги иш(лар)ни амалга ошириш. *Хомашёни қайта ишлаш. Нефтни қайта ишлаш.* ▬ *Бир грамм соф радий олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади.* «Фан ва турмуш». **Қайта қуриш** 1) маълум ўзгартишлар киритиб, қайтадан қуриш. *Бинони қайта қуриш;* 2) бирор системани янгилик асосида ўзгартиш, ўзгартишлар билан қайтадан тузиш. *Ўрта ва олий мактабларни қайта қуриш учун маълум вақт ва катта иш талаб қилинади.* Газетадан.

ҚАЙТАГА 1 Аксинча, билъакс. *Онахон бу гапга парвосиз қаради, қайтага чеҳраси очилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мен сиздан ҳеч гинам йўқ. Қайтага бошоғриқдан қутулдим.* С. Нуров, Нарвон.

2 Яхшиси, ундан кўра. *Бизники мана шу бурчакдаги эшик.. Қайтага букун бизникида қолсангиз бўлмасми-а?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЙТАДАН *рвш.* Янгидан, бошқатдан. *Қайтадан ёзмоқ. Қайтадан ишламоқ. Қайтадан тикламоқ. Қайтадан қурмоқ.* ▬ *Мактуб унинг* [*Кумушнинг*] *юрак жароҳатини қайтадан тирнаб ташлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Терговни қайтадан бошлаймиз, қишлоқдан кетиб қолманг,* — *деди терговчи.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бектемир чувалган пайтавасини ечиб, болдирларини ишқалаб, қайтадан аскарчасига ихчам ўради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚАЙТАЙ(ИН) *шв.* Нима қилай, қандай қилай, қўлимдан нима келарди, иложим қанча. *Қайтай, хафа қилдим сендай қўзим-*

ни. «Рустамхон». *Қайтайин, бошима бўлди қиёмат, Кеча-кундуз ишим оҳу надомат.* «Равшан».

ҚАЙТАЛАБ *айн.* **марталаб.** *Уч қайталаб кир ювди.* Газетадан. *Сиз билан отамга муддаомни неча қайталаб айтдим-ку..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЙТАЛАМОҚ 1 Такрор айтмоқ ёки қилмоқ; такрорламоқ, қайтармоқ. *-Уч кишига танҳо ўзи? — қутидор ишонмаган эди. -Азаматнинг ёлғиз ўзи, — деб уста Олим илгариги сўзини қайталади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Такрорланмоқ, қайта содир бўлмоқ. *Касали яна қайталади. Қайталайдиган касаллик.*

ҚАЙТАЛАНМОҚ *айн.* **қайталамоқ 2**. *Қайталанадиган терлама. Касалликнинг қайталаниши.*

ҚАЙТАМАН *шв.* Қандай қиламан, нима қиламан. *Так-так-а ҳо-ҳо, ўзбекни(нг) оти, йиқилиб тушсам, қайтаман.* «Эртаклар».

ҚАЙТАНГА *с. т.* Қайтага. *Жанжал камаймади. Қайтанга кўпайди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ҚАЙТАРГИЧ *махс.* Ўзига келиб урилган тўлқин, нур ва ш.к. ни қайтарувчи ёки зарарсизлантирувчи асбоб. *Нур қайтаргич. Овоз қайтаргич. Яшин қайтаргич.*

ҚАЙТАРИШ 1 Қайтармоқ фл. ҳар. н. *Саволга жавоб қайтариш. Молни эгасига қайтариш.*

2 Қайтариқ, такрор. *Тўртинчи кўринишда ортиқча қайтаришлар бўлмади.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ҚАЙТАРИҚ 1 Такрорланадиган ёки такрорланган ибора, гап ва ш.к. *Бундан ташқари, спектаклда қайтариқлар ҳам кўзга ташланади.* Газетадан. *Ҳар қалай, қуруқ мақтовлар, қайтариқлар ўрнини.. ҳаётий шеърлар олмоқда.* Миртемир, Тоғдай таянчим.

2 Қайтариш, такрорлаш, такрор. *Дарсни қанча қайтариқ қилсанг, шунча пухта ўзлашади.*

3 *кам қўлл. айн.* **қайтим.** *Пул тўлаб, қайтариғини олмоқ.*

4 Эски эътиқодга кўра, касаллик, фалокат ва ш.к. ни даф қилиш, иситилган кишидан совитиш ва ш.к. мақсадларда дуо ўқиш, дам солиш ва шундай дуо ўқиб дам солинган нарса. *Қаердан бўлса ҳам, ўша ҳиндини топасан ва назрини бериб, яхшилаб қайтариқ қилдирасан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эзибички бериб, тутатқи тутатиб, бошимиздан бало-қазоларни қайтариқ қилиб ҳайдайман.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАЙТАРМА 1 Қайтариб, қайириб, буклаб қўйиладиган, қайирма. *У* [*Аваз*] *уйига етиб бориб, чироқни ёқди, қайтарма ёқа камзулини ечди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тилма зовурдан чиқиб, тупроқ уюмидан сакраб ўтган Алижон қайтарма этигига ёпишган тупроқни жаҳл билан қоқди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 *шв. айн.* **қайтариқ 4.** *Азайимхонларга юборинг, тумор қилдириб тақсин, дами ўткирларга юборинг, дам солдирсин, қайтарма қилдириб ичсин, сиз ҳам ичинг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [*Канизак Сидиқжонни*] *Ўзига иситиб олган. Эсизгина, буни билганимда, ўша ердан қайтарма қилдириб келар эканман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аёлларнинг билгани — ирим, билгани — қайтарма, билгани — азайимхон.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 Халқ куйларидан бирининг номи.

4 *с.т.* Пул муомаласида унинг маълум қисмини ўзига (ўғринча) уриб қолиш. *Кассир Давронов ишчиларга маош бераётган вақтида.. ўнталикдан бир-иккитасини қайтарма қилиб, тишининг оқини кўрсатиб қўяди.* «Муштум».

ҚАЙТАРМОҚ 1 Қайтмоқ фл. орт. н. *Коптокни тепиб, орқага қайтармоқ. Подани изига қайтармоқ. Тракторни ўнгга қайтармоқ. Аслига қайтармоқ. Ҳаётга қайтармоқ. Хатга жавоб қайтармоқ. Тешанинг юзини қайтарадиган ёғоч. Нур қайтарадиган ойна. Яхшиликка яхшилик қайтармоқ.* ▬ *Гулнор боғда ишлашга югурар экан, Гулсумбиби қайтарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Ўзбек ойим:] Кеча ўрда бек ойимдан менга арава келган экан, феълим айнаб турган эди, бормай, аравани бўш қайтардим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хафа бўлма. Онани қайтариб бўлмайди.. Синглингни қидириб топамиз.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Олинган нарсани жойига қўймоқ ёки эгасига келтириб бермоқ, юбормоқ. *Қарзни қайтармоқ. Китобни кутубхонага қайтармоқ. Ишлатилган асбобларни жой-жойига қайтариб қўймоқ.* ▬ *Тўлаган аканинг аризасини, оти билан сигирини қайтариб бериш — эртага яна бир неча ариза тушувига*

йўл очиш демакдир. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Салтонбу ичилмаган сувни кўрага қайтариб тўкди-ю, шошиб келиб, ун ёнига чўнқайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Чойни қайтармоқ Чойни бир неча бор пиёлага, ундан яна чойнакка қуймоқ. *Тозагул чойни пиёлада шопириб қайтара бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Такрор қилмоқ, такрор этмоқ, такрорламоқ. *Саволни қайтармоқ. Хатони қайтармоқ. Дарсни қайтармоқ. Хатни қайтариб ўқимоқ.* ▬ [*Ашулани*] *Иккинчи қайтариб айтишда унга Хонимбиби қўшилишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Раис Низомиддиновга танбеҳ қилди: -Гапирилган гапларни қайтарманг-да, ҳатто ўзингиз айтган гапларни такрорлаётирсиз! Конкрет фактларга ўтинг.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

4 Букмоқ, қайирмоқ. *Этакни қайтармоқ. Ёқани қайтармоқ. Дастурхоннинг четини қайтариб тикмоқ.* ▬ *Мунисхон қора бархит пальтосининг ёқасини бошигача қайтарган ва учини бир қўли билан ияги остидан ушлаган, бировни кутган вазиятда турар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

5 Кимсани бирор номақбул ёки ножўя ишдан, хатти-ҳаракатдан тийилишга ундамоқ, тиймоқ. *Ичкиликдан қайтармоқ. Чекишдан қайтармоқ.* ▬ *Менга шунча яхшилик қилдингиз.. янги келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Даф қилмоқ, йўқ қилмоқ, йўққа чиқармоқ. *Ҳужумни қайтармоқ. Бирлашган ёвни қайтарар.* Мақол. ▬ *Батальон шу куни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

7 *этн.* Қайтариқ қилмоқ, қайтариқ қилиб даф этмоқ, йўқ қилмоқ. *Марғилонликнинг домласи жуҳуд ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас. Ҳиндиларнинг ҳам ҳанноси, бас, ҳанноснинг сеҳрини на мусулмон домласи қайтарсин-у, на жуҳуд.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 Рад этмоқ, йўқ демоқ, қабул қилмаслик. *Раъйини қайтармоқ. Илтимосини қайтармоқ.* ▬ *Ақлли, номусли қиз ўз дадасининг гапини ҳеч вақт қайтармайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дадамга менинг арзимни айтсангиз, албатта, қайтармас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Гап қайтармоқ Айтганини қилишдан, бажаришдан бўйин товлаб айтишмоқ, баҳслашмоқ, тортишмоқ. [*Акбархўжа:*] *Агар боланинг руҳи синса, шунақа бетгачопар, каттага сўз қайтарадиган қайсар бўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўлини қайтармоқ** Бирор нарса узатган, тутган кишининг қўлидан узатилган, тутилган нарсани олмаслик. *Мана бу узумни олинг, жуда яхши пишибди, қўлимни қайтарманг.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 Қусмоқ, қайт қилмоқ. *Ўрнимдан турсам, бошим айланади, овқат есам, қайтариб ташлайман.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

Кавш қайтармоқ *қ.* **кавш. Тутун қайтармоқ** *қ.* **тутун. Шахтини (***ёки* **шаштини) қайтармоқ** 1) астойдил киришилган иш-ҳаракатдан қайтармоқ, ҳафсаласини пир қилмоқ, кўнглини совитмоқ. *[Умурзоқ:] Майли, болакайларнинг шахтини қайтарма, ҳарна ёрдам беришгани. «Ҳайт» деган туяга мадор.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) ғазабидан туширмоқ, мулойим, ювош қилиб қўймоқ. *Тантибойвачча Йўлчининг шахтини қайтариш ва ўзига муте қилиб олиш ниятида унга пул узатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЙТАРУВЧИ 1 Қайтармоқ фл. сфдш. *Йўлчи* [*йўлдан*] *қайтарувчи кишига кўзини ёмон олайтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *махс.* Аслига келтирувчи, тикловчи нарса, модда. *Қайтарилиш реакциясига ёрдам берадиган моддалар қайтарувчилар деб аталади.* «Кимё» дарслиги.

ҚАЙТАСАН *шв.* Нима қиласан, қандай қиласан, қўлингдан нима келади, на чора. *Томирингни мақтама, ёмон чиқса қайтасан?* Мақол.

ҚАЙТИБ 1 Қайтмоқ фл. рвдш. *Изига қайтиб, кабинетига кирди.*

2 Бошқа, қайта, яна. *Низомжон сувга қайтиб тушмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Хоннинг ишораси билан олқишлар тинди, ҳамма жойига қайтиб ўтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Авазнинг қисташига қарамай, қайтиб ҳандалакка қўл урмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАЙТИМ Тўловдан ортган ва эгасига қайтариб бериладиган пул. *Бир аёл шошилиб, газ сув ичди-да, қайтимига сотувчидан икки тийинлик чақа беришни сўради.* Газетадан.

ҚАЙТИШ 1 Қайтмоқ фл. ҳар н. *Қудаларнинг қайтиши чинга айлангандан кейин,*

йўл тараддуди бошланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Куннинг қайтиши ҳамон молларни ёйишсин.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *шв.* Ўлиш, вафот қилиш; ўлим. *-Яна кимдир қайтиш қилибди-да, — деди чол қадоқ қўлларини жуфтлаб, юзига фотиҳа тортаркан.* Газетадан.

ҚАЙТМАС 1 Қайтмоқ фл. бўлишсиз сфдш. *Йигит сўзидан қайтмас, йўлбарс — изидан.* Мақол.

2 Ҳайиқмайдиган, қўрқмайдиган; ботир.

ҚАЙТМОҚ 1 Келган ёки келаётган томонига йўналмоқ, юрмоқ; айланиб дастлабки ерига келмоқ. *Орқасига қайтмоқ. Саёҳатдан қайтиб келмоқ. Изига қайтиб кетмоқ. Автобус шу ердан қайтади.* ▬ *У* [*Сидиқжон*] *уйга хийла таъби очилиб қайтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Яна олдин бўлган ишга, айтилган гап, фикр ва ш.к. га келмоқ. *Лирик чекинишдан кейин асосий мавзуга қайтмоқ.* ▬ *..ажойиб замондошимизнинг достони узун. Вақти билан унга яна қайтармиз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Аввалги ҳолати, даражаси ва ш.к. га келмоқ, уни эгалламоқ. *Мана, йиқилдим, деб ит азобини кўрган мингбоши мана эндигина аслига қайтиб, эркин нафас олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *махс.* Тўсиққа урилиб, йўналишини ўзгартирмоқ. *Оқ сиртдан нур яхши қайтади.*

5 *кўчма* Воз кечмоқ, тарк этмоқ, чекинмоқ. *Фикридан қайтмоқ. Сўзидан қайтмоқ. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт!* Мақол. ▬ *Уни, худодан қайтган, деб таёқ билан саваладилар.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

6 (*асосан бўлишсиз шаклда*) Ўзини тиймоқ; тийинмоқ. *У ҳеч нарсадан қайтмайди. Сен учун ўлимдан ҳам қайтмайман.* ▬ *Ҳомид бу туҳматдан ҳам қайтмас ва ўз туҳматини маҳкама олдида мантиқий равишда исбот ҳам қила олур эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..улардан пул ундириб олиш, бензинни талон-торож қилишдан ҳам қайтмайди.* Газетадан.

7 Даражаси, кучи пасайиш, сўниш томонга йўналмоқ. *Беморнинг иситмаси қайтди. Совуқ қайтди. Бозор қайтди. Ундан ихлосим қайтди.* ▬ *Кеч кириб, қуёшнинг тапти қайтганда, вагон-ремонт заводининг ёшлари.. «саҳна» ясадилар.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Низомиддиновнинг титроғи қайтгандек бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Ёши қайтмоқ Ҳаёти кексалик томон юз тутмоқ *Ёши қайтиб, соқолига оқ оралаган бўлса-да, йигитлардек бақувват эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

8 Қабул қилинмай, ўтмай ёки ортиб қолиб қайтарилмоқ, қайтариб берилмоқ ёки қайтариб юборилмоқ. *Мол бозордан қайтди. Пул ортиб, юз сўми қайтиб келди. Ўн сўмдан уч сўм қайтди.* ▬ *Бўлмаса, бу ёққа ола қолинг, қайтган мол ўзимизга тан!* «Ёшлик».

9 Эвази тегмоқ, эвази эгасига келмоқ. *Боланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса, устингга ол. Бу қарз болангдан қайтади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу яхшиликларингиз биздан бўлмаса, худодан қайтсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 Тўмтоқ, ўтмас бўлиб қолмоқ (нарсаларнинг учи ёки тиғи ҳақида). *Пичоқнинг юзи қайтибди.*

11 *кам қўлл.* Бурилмоқ, қайрилмоқ. *Ана шу йўл билан тўғри бориб, чапга қайтасиз.* «Гулдаста».

12 *с.т.* Кексалик ҳолатида бўлмоқ, шу ҳолатда (ёшда) ўзини бардам тутмоқ. *Баъзи одамлар кексайганда яхши қайтади.* ▬ *Кексайганда Акбар акадек қайтиш бошқаларга ҳам насиб бўлса эди.* Й. Шамшаров, Ўурумсаройликлар.

13 *шв.* Ўлмоқ, вафот қилмоқ.

ҚАЙТОҚ(И) *кам қўлл.* Қайтарилиб турадиган, қайтарилган; қайтарма, қайтарилма. *Бодом гули оқ экан, Барглари қайтоқ экан. Наврўз насими билан Чиройли порлоқ экан.* Т. Тўла. *Тўламат мўйловини силаб, жияги қайтоқи дўппини чеккасига қўндириб, қўш белбоғини суриб, чопонининг карнайнусха узун енгини силтаб ташлаб, даврага тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Дўпписи қайтоқи *айн.* **дўпписи яримта** *қ.* **дўппи.** *..доим дўпписи қайтоқи, чеккасида холи бор.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҚАЙЧИ Юпқа нарсаларни, мато, қоғоз ва ш.к. ни кесиш учун ишлатиладиган, ўрта еридан бир-бирига винт билан бириктирилган икки тиғдан иборат дастали асбоб. *Ўткир қайчи. Ток қайчи.* ▬ *Кампирнинг қўлидаги конвертни олди-да, кичкинагина қайчиси билан қирғоғини кесди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қайчи билан чимдиб қирқилган*

мўйлови тагига яширинган лаблари пичирлар.. С. Анорбоев, Оқсой.

Қайчи қуда *айн.* **қарши қуда** *қ.* **қарши.**

ҚАЙЧИБАРГ Қайчисимон керилган узун-узун учли барг (мас., баъзи ғўзаларнинг ёки чинорнинг барги). *Соғлом ғўзанинг.. барги қорайиб, қайчибарг бўлиб қолади.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

ҚАЙЧИЛАМОҚ Қайчи билан кесмоқ, қайчи билан кесиб ишлов бермоқ, тузатмоқ. *Гулларни қайчиламоқ.* ▬ *Уста яна банд. Бир муйсафид кишининг мўйловини қайчилаб қўймоқда эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Сочимни қайчилаб ташладим-да, чўлиқ бола бўлиб кийиниб бордим..* А. Мухтор, Чинор.

ҚАЙҚАЙМОҚ *шв.* Қаққаймоқ. *Бу ёлғиз маконда сенга нима бор, телпагинг қайқаймай ўлгур қаландар.* «Муродхон».

ҚАЙҚИ *шв.* Қайилган, эгилган, эгри-бугри. *Қайқи ўроқ.* ▬ *Қултой Алпомишни кўриб, кўнглини хушлаб, йилқи боқадиган қайқи таёғини ушлаб.. бир сўз айтиб турган экан.* «Алпомиш».

ҚАЙҒУ 1 Бошга тушган руҳий азоб; ғам, мусибат. *Оғир қайғу. Чуқур қайғу. Қайғу тортмоқ.* ▬ *Жўрахоннинг нобуд бўлиши юрт қайғусига айланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Тўғри, [Шоҳиста] баъзи вақтларда нималарнидир ўйлаб, бир оз маъюсланар.. аммо бунчалик қайғуга ботмасди.* М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб. *Ҳасратли ҳужрамда қайғудан бўлак Ҳамма кетиб бўлди бирма-бир..* Э. Шукур, Ҳамал айвони.

2 Кўзланган мақсад йўлидаги безовталик хатти-ҳаракати, ўй-фикр; ташвиш, ғам. *Эчкига — жон қайғуси, қассобга — мой қайғуси.* Мақол. ▬ *Йигитлар ўз истиқболлари қайғусида янги бино, янги рўзғор тузайдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚАЙҒУДОШ Кимсанинг қайғусига шерик бўладиган киши, ҳамдард; дардкаш. *Унга [Унсинга] дардларини ўртоқлашувчи сирдош — қайғудош бўлмоқчи бўлиб, ҳол-аҳволини сўради.* Мирмуҳсин, Созанда. *Азангда қайғудош, тўйингда ўртоқ.* Т. Тўла.

ҚАЙҒУЛАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **қайғурмоқ.** *Қўқонга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқазиш бўлсин, жойсиз қайғуланмангиз, ҳожи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАЙҒУЛИ 1 Қайғу-алам чекаётган. *Қайғули киши.* ▬ *Унсин севикли ва қайғули ягона дўсти.. бўлган акасини қучоқлаб, қонли ярасига юзини, кўзини суриб ёта берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қайғу-аламга эга; қайғуга соладиган; мусибатли, аламли; ғамгин, маъюс. *Қайғули кунлар.* ▬ *Нега қайғули кўринасан, Офтоб?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бугунги қайғули ҳодиса уни бу уйга эртароқ келтириб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Санъаткорни яқиндан билган ёки томошаларини кўрган киши бу қайғули хабарга асло ишонгиси келмасди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚАЙҒУРМОҚ 1 Қайғу-алам чекмоқ; куймоқ. *Қайғурманг, опажон. Қора кунлар ўтар, ёруғликка чиқармиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қаҳрамон қизнинг фожиали ўлимини эшитганлар ҳаммаси қайғуриб йиғладилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бирор кимса, нарса, иш ва ш.к. ҳақида ўйламоқ, унинг хатти-ҳаракати, ташвишида бўлмоқ. *Нодира онаси ўрнида Анварнинг бошини силади, ювиб таради ва Анварнинг истиқболи учун қайғурди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мўл-кўл ем-хашак — кўп гўшт, сут, ёғ демакдир. Шунга кўра молларнинг қишки озуқаси ҳақида ҳозирдан қайғурайлик.* Газетадан.

ҚАЙҒУСИЗ 1 Қайғу-аламдан холи, тинч, хотиржам, осуда. *Қайғусиз ҳаёт.*

2 Ҳеч қандай ғам-ташвиши йўқ, ҳеч нарсани ўйламайдиган; беғам, беташвиш. *Қайғусиз одам.*

ҚАЛА *шв.* Шаҳар, қалъа.

ҚАЛАЙ I *сўр. олм. с. т.* **1** Қандай?, қанақа? *Бола қалай экан? Оёқ-қўли чаққонми?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу ерда ҳайрон бўлиб тургандан кўра гузарга борсанг, қалай бўларкин?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қалайсан *ёки* **қалайсиз?** 1) аҳволинг (аҳволингиз) қандай?, яхшимисан (яхшимисиз)?; 2) *кест.* хўш, энди аҳволинг (аҳволингиз) нима бўлди?; ҳорма(нг) энди! *Энди қалайсан, қўлга тушдинг-ку.*

2 Сўроқ гап олдидан кириш сўз вазифасида ишлатилади. *Қалай, нонвойликдан бир нима ортадими?* Ойбек, Танланган асарлар. *Қалай, мулла, бизнинг ёқлар сизга маъқул бўлдими?* П. Турсун Ўқитувчи.

ҚАЛАЙ II [*а.* قلع , قلعى — эритиб ажратиб олиш; қалай *ёки* قلو , قلى — ишқор] **1**

Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент; болғалаганда тез яссиланадиган, юмшоқ, кумушсимон оқ рангли металл. *Соф қалай. Қалай қотишмаси.*

2 Идишларнинг бетини қоплаш, оқартириш учун югуртирилган шундай металл қатлами. *Қалайи кўчган идиш.*

ҚАЛАЙИ *эск. айн.* **қалай**. *Буларнинг 24 таси калий, кальций, рубидий, қалайи каби элементларнинг узоқ яшовчи радиоизотопларидир.* «Фан ва турмуш».

ҚАЛАЙЛАМОҚ 1 *айн.* **кавшарламоқ.** *Самоварнинг тешигини қалайламоқ.*

2 Қалай югуртирмоқ, қалай билан қоплаб оқартирмоқ. *Идишларни қалайламоқ.*

ҚАЛАЙЛИ Таркибида қалай бўлган. *Қалайли баббит.*

ҚАЛАМ [*а.* قلم – қамиш перо; услуб; хат, дастхат] **1** Ўртасига ингичка, узун графит жойланган чўп шаклидаги, хат ёзиш, расм солиш, чизма чизиш учун ишлатиладиган ёзув, чизув асбоби. *Қора қалам. Рангли қаламлар.* ▬ *Чернецов кўк ва қизил қаламлар билан безаб ташланган харитага қаради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Мўй қалам *ёки* **қалами мўй** *қ.* **мўйқалам. Тош қалам** *айн.* **грифель.**

2 Пероси ўзидан чиқарилган ручка. *Савағич қалам.* ▬ *Кейин бир парча қоғоз олиб, қамиш қаламни қитирлатиб ёза бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу иккиси қоғозга михлангандек гап-сўзсиз қаламни қирр-қирр қоғоз устида юритиб турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Пўлат қалам *эск. айн.* **перо.**

3 Умуман, ёзиш, ижод қилиш қуроли. *У қўлимга тутқазиб қалам, Кўзларимдан олди уйқуни.* Э. Воҳидов. *Усмон Носир ўтган йўлларида чаман унган, қалами Пушкин, Лермонтовларни ўзбек тилида гапиртирган.* Газетадан.

4 *кўчма* Ёзма асар ижод этиш; ёзма ижод, ижод. *Яхши йигит, сизнинг қалам кучингиз жуда ҳам зўр экан-ку.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Унинг қаламига мансуб шеърий асарлар.. таъсирчанлиги билан кишини ўзига мафтун этади.* Газетадан.

Қалам учи (*ёки* **ҳақи**) Ёзилган нарса учун бериладиган ҳақ; гонорар. *Дуо қилиб, қалам учисига бўзни узатдим – олмайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бир ой ўтгач, газетада босилган илк ҳикоясига қалам ҳақи келди.* «Ёшлик». **Қалам юргизмоқ** (*ёки* **тебратмоқ, сурмоқ**) 1) ёзмоқ, хат машқ қилмоқ. *Уларнинг зеҳни ўткирроқлари ҳозир бемалол хат танийдиган, қалам юргизадиган бўлиб қолишди.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) адабий асар ёзмоқ, ижод этмоқ. *У шеърнинг турли навларида қалам юритади.* Ойбек, Навоий. *Маъруф Назаров.. қўшиқчилик соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. **Қаламга олмоқ** Бирор асар, мақола ва ш.к. ни ёзишга киришмоқ; ёзмоқ. *Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам, ўша ўзимни зериктирган фаслни ташлаб кетишга мажбурман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..вафодорликни улуғлаб, бевафоликни ранж билан қаламга олдик.* Газетадан. **Қалами ўткир** Ижод, ёзиш қобилияти даражаси юқори. *Фазлиддин эса, қалами ўткир журналист эди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Аҳмаднинг бўлимга кўп фойдаси тегиши мумкин, қобилиятли бола, қалами ўткир.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Қудрат қалами** Худо томонидан битилган, белгиланган. *Ҳар банда қудрат қалами билан ёзилганни кўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Қошни қора қилиш учун суртиладиган қора модда ва уни қошга суртиш учун ишлатиладиган чўпсимон асбоб. *Сени ҳарамда яхшилаб ясантираман, қошларингга қалам, кўзларингга сурма тортаман.* Мирмуҳсин, Чўри.

6 *махс.* Тош, тахта каби қаттиқ жисмларни ўйиш, кесиш ва гул солиш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Ҳайкалтарош қалами.*

7 *шв.* Тилим, тилик. *Бир қалам гўшт.*

Қалам қош 1) унча эгилмаган қоп-қора чиройли қош. *Тўғри, қалам қошга ўсма қўйилса бузармиш.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) шундай қошли киши. *Кўп йигит айрилди қалам қошидан.* Ғайратий. **Қоши қалам** *айн.* **қалам қош 2**. *Бирдан қоши қаламим Пайдо бўлди ниҳоят.* Ё. Мирзо.

ҚАЛАМА Қалаб, устма-уст териб ясалган. *Тошлоқ йўл овулни четлаб ўтади. Йўлнинг ўнг томонида пастак қалама тошдевор чўзилиб кетган.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли. *Болохона деганлари дарвозахонанинг устига қурилган, сал қийшайиброқ турган*

қалама бир хонали уй экан. И. Шомуродов, Мағлубият.

ҚАЛАМДОН [*а.* + *ф.* قلمدان — қалам ва ш.к. ёзиш қуроллари сақланадиган идиш] Ичига қалам, ручка солиб қўйиладиган қутича. [*Акрам*] *Қаламдондан йўғон қизил қаламни қўлига олиб айлантирди-да, жойига солиб қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАЛАМДОШ Бирор соҳада ёзма асар ёзувчиларнинг бири (бошқасига нисбатан) ёки умуман, ёзувчи ва шоирлар (бирбирига нисбатан). *Мен ўз қаламдошларимга мурожаат қилмоқчиман..* Ойбек, Халққа хизмат — бахт.

ҚАЛАМИ I [*а.* + *ф.* قلمی — қаламга алоқадор; қаламга ўхшаш; қаламда бажарилган] Қўлда тўқилган, таги оқ йўл-йўл гулли ип мато. *Бир кўйлаклик қалами.* ▬ *Оёғига кўн этик, эгнига чий алакдан яктак тўн, қалами иштон берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қалами дўкон Қалами тўқиладиган дўкон, дастгоҳ. *Норматпаранг ўзи косиб, лекин уни қалами дўкондан эмас, кўкноридан бойиган дейишади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚАЛАМИ II Сопол буюмларга қалам ёрдамида чизиб, безак ишлаш усули ҳамда шу усулда яратилган безак, нақш.

ҚАЛАМКАШ [*а.* + *ф.* قلمکش — қалам чекувчи, қаламда чизувчи: ёзувчи, шоир] Қалам тебратувчи, ёзувчи (шоир, ёзувчи, журналист, таржимон ва ш.к. ҳақида). *Малика Мирзаева шеърият чаманига ўзига хос овоз билан кириб келган қаламкашлардан.* Газетадан.

ҚАЛАМОҚ 1 Устма-уст, ёнма-ён ёки тартибсиз равишда тиқиштириб, тўлдириб тахламоқ, термоқ. *Газламаларни араваларга тоғ-тоғ қалаб, олиб кетадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ёқиш, ёндириш учун ўчоқ ва ш.к. га жойламоқ, тиқиб ташламоқ. *Ўчоққа ўтин қаламоқ.* ▬ [*Бектемир*] *Ўтинни майдалаб, роса диққат билан чайла ўртасига қалади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Нонвой чол пешонасини бойлаб, тандирга ўт қалаяпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

Гўрига ғишт қаламоқ *қ.* **гўр.**

ҚАЛАМПИР *айн.* **гармдори.** *Аччиқ қалампир. Туйилган қалампир.*

ҚАЛАМПИРГУЛ Хушбўй гулли бир йиллик ўтсимон боғ ўсимлиги ва унинг гули.

ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ Бир турли тропик доим яшил дарахт ва унинг доривор ва зиравор сифатида ишлатиладиган шонаси. *Қандайдир сирли, ғойибона куч мени қалампирмунчоқ ҳиди анқиб турадиган ўша қадрдон гўшага чорлайверади.* «Саодат». *..ҳар қандай ярага дори бўлган балзаммой, қалампирмунчоқ, томирдори — қўйинг-чи, ҳамма нарса бор.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚАЛАМРАВ [*а.* + *ф.* قلمرو — қалами юрувчи; таъсир доираси, ҳокимият чегараси] *эск. кт.* Бирор ҳукмдорнинг ҳукми юрадиган ҳудуди ва унинг қўл остида бўлган ерлар. *Қаламравидаги барча шаҳарлар ва қишлоқларга саркорлар тарқатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚАЛАМТАРОШ [*а.* + *ф.* قلمتراش — қаламни тарашловчи] Тиғи сопи ичига қайириб, ёпиб қўйиладиган пичоқча; пакки. *Икки тиғли қаламтарош.* ▬ [*Саримсоқ ота*] *Сарғиш белбоғига қирғий бурнига ўхшаш қаламтарош, соқолтароқ ҳам осиб олган.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚАЛАМЧА 1 Кичкина қалам; қолдиқ қалам. [*Петров*] *Йўлчини саводли қилишга астойдил уринди. Қўлга базўр илинадиган кичкина қалам билан (у бу қаламчани еркўкка ишонмас эди) махорка қоғозларига ёзиб, Йўлчига русча ҳарфларни танитди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *қ. х.* Пайвандлаш ёки кўкартириб кўчат қилиш учун кесиб олинган новдача. *Анор, узум, тол, терак, атиргул кабиларни қаламчадан кўпайтириш мумкин.* ▬ *Олимларимизнинг берган маълумотларига қараганда, лимонни экиб, қаламча.. қилиб кўпайтирилади.* Газетадан.

ҚАЛАМҚОШ (*тўғриси* **қалам қош**) *қ.* **қалам.**

ҚАЛАНДАР [*а.* قلندر — дунё ташвишларидан кечиб, дайдиб юрувчи дарвеш] **1** Диний ғазаллар ўқиб, мусулмон динини тарғиб қилиб дарбадар кезувчи, таркидунё қилган, гўшанишинликка берилган суфий. *Чойхонада узун бўйли, узун кулоҳли қаландар кўзларини юмиб, янгроқ овозини баланд қўйиб, Машрабдан ғазаллар ўқийди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Дунёдан воз кечган, таркидунё қилган киши; зоҳид. *Бизлар ҳозир юрт устида қаландар, Бемакон, бенаво бўлган дарбадар.* «Ширин билан Шакар».

3 Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.

4 Қаландар (эркаклар исми).

ҚАЛАНДАРБАЧЧА [*ф.* قلندر بچه – қаландарнинг боласи, фарзанди] Қаландарнинг шогирди.

ҚАЛАНДАРЛИК Суфийлик-зоҳидлик ҳаракати.

ҚАЛАНДАРХОНА [қаландар + хона] *тар.* Қаландарлар йиғиладиган ва тунайдиган жой. *Эшоннинг уйлари зикр тушадиган хонақога туташган эди. Қаландархона ҳам шу ерда эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚАЛАНМОҚ 1 Қаламоқ фл. мажҳ. н. *Печкага қаланган ўтин шитирлаб ёнмоқда.* ▬ *Ҳайдар токчага қаланган китобларни кўздан кечирди.* Ойбек, Навоий.

2 Жуда кўп йиғилган, тўпланган ҳолда бўлмоқ; қалашиб ётмоқ. *Тонгга яқин тўплар, машиналар, танклар қаланган, жангчилар қайнаган катта манзилнинг қўйнига кирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚАЛАНҒИ *кам қўлл.* Бетайин, дайди (шахс ҳақида). *-Бугун ҳам уйга келмабди, қаланғи, – деб ромни қаттиқ бир муштлади-ю, гандираклаб жўнади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАЛАНҒИ-ҚАСАНҒИ *айн.* **қаланғи** ва **қасанғи;** ҳар хил бўлмағур, бетайин одамлар, саёқлар. *Жуда кўп қаланғи-қасанғиларга мадад қўлини чўзди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Шокирвой гулдек хотини ва фарзандлари бўла туриб, текин маишат кетидан қувган қаланғи-қасанғилар билан топишиб олди.* Газетадан.

ҚАЛАЧА *эск.* Шаҳарга хос; шаҳарча. *Куз, деҳқон бозорини мўлжаллаб, беш юз пар амиркон, хиром заифона маҳси ва юз пар қалача кавуш ғамлаган эдим.* С. Абдулла, Мавлавий Мирсидиқнинг ижодлари.

ҚАЛАЧИ *қ.* **қалъачи.** *Қаладан қалампир юклар қалачи.* «Алпомиш».

ҚАЛАШМОҚ 1 Қаламоқ фл. бирг. н. *Уч киши чорчўп атрофига ўтириб, ўт қалашди. Саратон кўрган қуруқ ўтин шатирлаб ёна бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тўп-тўп, уйилган ва кўп миқдорда бўлмоқ. *Ҳовлида парталар, скамейка, стуллар қалашиб кетган.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 *кўчма* Кўп бўлмоқ, йиғилиб қолмоқ. *-Раҳмат, – деди у* [*Ўктам*] *ошиқиб. – Отдан тушдим-у, бу ёққа юрдим. Ишларим қалашиб ётибди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Пастда йигитнинг ҳароратли шивир-шивири эшитилади: туйдан бери айтиб тугатолмаган, юрагида қалашиб ётган дардини, чеккан изтиробларини, қувончини сўзлаётгандир?* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАЛБ I [*а.* قلب – юрак, дил; ўрталик, марказ; лашкарнинг ўртаси] **1** Юрак. *Мен узоқ вақтгача ухлай олмай ётдим, нафасим қисилиб, қалбим нотинч тепарди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Мирзакаримбойнинг хотини Лутфинисо тўсатдан, қалб хасталигидан бўлса керак, бир кечада вафот этди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Кишининг руҳий ёки маънавий дунёси, ички ҳис-туйғулари маркази рамзи; юрак, дил, кўнгил. *Қалби пок одам. Қалб амри. Қалб ҳарорати. Қалби қувончга тўла. Қалбига йўл топмоқ.* ▬ *Қиз ўз қалбини Йўлчига бағишлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бобур юқори қаватга қайтиб чиқар экан, қалбини тўлдирган шодликлар орасида сурнай навосидек жарангли ва ёқимли бир туйғу янграб эшитилаётганини сезди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАЛБ II [*а.* قلب – айланиш, бурилиш, ўзгариш; ўзгартириш; ҳукуматни ағдариш] **1** Алдам-қалдам, қинғир ишлар қиладиган, қаллоб, нопок. *Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуюлмас.* Мақол.

2 Нопок, эгри, қинғир. *Қалб ишга қўл урмоқ.* ▬ *Ҳиммати-ку.. йўқ, яна ўзи ҳам ўлгудек бахил, нияти қалб йигит.* «Муштум».

ҚАЛБАКИ [*а.* + *ф.* قلبکی – ўзгарган, сохта] Ҳақиқий эмас; сохта, ясама; ёлғондакам. *Қалбаки пул. Қалбаки ҳужжат. Қалбаки имзо. Қалбаки табассум.* ▬ *Тоза тиллами, қалбаки тиллами – кўряпмиз!* С. Анорбоев, Оқсой. *Шаҳар банкида ёнғин бошланганлиги ҳақидаги қалбаки маълумотни ўт ўчириш қисмига Ҳасановнинг ўзи хабар қилган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҚАЛБАКИЛАШТИРМОҚ Сохталаштирмоқ, қалбаки ҳолатга солмоқ. *Ҳужжатларни қалбакилаштирмоқ.*

ҚАЛБАКИЛИК 1 Қалбаки эканлик. *Ҳужжатнинг қалбакилиги билиниб қолди.*

2 Қалбаки иш, хатти-ҳаракат, риёкорлик. *-Руҳонийларнинг макри, қалбакилиги ҳақиқатан чегарани билмайди, – деди Муҳаммад Жамол жирканиб.* Ойбек, Нур қидириб. *Қалбакилик инсонни бебурд қилади, тақсир.*

Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Азиз қалбингни пок эт, қалбакиликдан ҳазар даркор.* Ҳабибий.

ҚАЛБАКИЧИ *кам қўлл.* Қалбаки иш қилувчи; сохтагар. *Мана шуларнинг ҳаммаси қалбакичиларни хилма-хил туҳматларни ўйлаб чиқаришга.. мажбур қилмоқда.* Газетадан.

ҚАЛБАКИЧИЛИК Ишдаги қалбаки ҳолат, қалбаки иш. *Баъзи қурилиш раҳбарлари.. юзакичилик, қалбакичиликка йўл қўймоқдалар.* «Муштум». *Эртага текширишда Жўранинг қалбакичиликлари албатта очилади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ҚАЛБАН [*а.* قلباً – чин юракдан, самимий] *рвш. кт.* Бутун юракдан, қалбдан, дил билан. *Аваз Мутрибни пинҳоний ифодасиз бир меҳр билан суяди, унга ҳамиша қалбан интилади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Уста Журжоний, мен сизнинг изтиробларингизни қалбан сезиб турибман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАЛБДОШ *кт. кам қўлл.* Бутун руҳи, дунёқараши, орзу-истаги ва ш.к. бир хил бўлган, қалби бир (*қ.* **қалб 2**). *Кўпчиликнинг меҳрибон, қалбдош саркардалари бўлган раисларимиз ўзларига билдирилган ишончни ҳамиша юксак тутадилар.* Газетадан.

ҚАЛБИЙ [*а.* قلبى – юракка алоқадор; самимий] *кам қўлл.* Қалбдан бўлган, қалбга оид. *Бунда унинг қалбий нигоҳи тобора чуқурлашиб боради, онгли камолотнинг янги қопқаларини очади.* И. Ғафуров, Шарқ Прометейи.

ҚАЛБЛИК Қалб эканлик (*қ.* **қалб** II). *Қўли қалблик.* ▬ *Қалбликка қалбку-я, лекин қўлга тушириб бўпсан.* «Муштум».

ҚАЛДИРАМОҚ Қалдир-қулдур овоз чиқармоқ. *Момақалдироқ қалдиради.* ▬ *Оёғимиз тагида ётган узун темир қувур қалдирар эди.* Ш. Ғуломов, Инсон қўли гул.

Тили қалдирамоқ Меъёрида гапиролмай қолмоқ; ғулдурамоқ. [*Солижон*] *Яна бир нима демоқчи бўлди-ю, бироқ тили оғзида қалдираб: -Мени кечиринг, – деб қўя қолди.* Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинглар. *Рузвон хола кўз ўнгига қуръон келди-ю, тили қалдираб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАЛДИРОҚ 1 *сфт.* Қалдир-қулдур қиладиган, қалдираган. *-Тур ўрнингдан, амалдор! – деди банги қалдироқ овозда.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 *от* Кучли қалдир-қулдур овоз. *Вазмин тўплардан ерда, самода учган қалдироқларга қулоқ солди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Сурон солса агар зўр қалдироқлар, Яшин тегса агар, Юз йиллик чинорга ларза тушади.* Миртемир. *Ерни, кўкни қамрагандай титратган бу садо олдида табиатнинг ҳар қандай даҳшатли қалдироғи ҳам ожиз бўлиб қолади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚАЛДИР-ҚУЛДУР Гулдураган, қалдираган узлуксиз овоз. *Ичим қалдир-қулдур қиляпти.*

ҚАЛДИРҒОЧ 1 Чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласини ташкил этадиган, қаноти ингичка ва узун, жуда тез учадиган, қора-ола кичкина қушча. *Туя қалдирғоч. Шаҳар қалдирғочи. Тоғ қалдирғочи.* ▬ *Бир неча қалдирғоч Салорнинг оқиши бўйлаб учар ва учган кўйи «валфажр» ўқир эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг пайдо ёки содир бўлиш белгиси; бошлаб берувчи, даракчи. *Ҳа, кампир, севиниб қолдингизми? Эшитиб хурсанд бўлдим. Рустам қалдирғочини юборибди, ажабмас, кетидан ўзи ҳам қанот қоқиб келиб қолса.* В. Ғофуров, Вафодор. *Чегарадош ерларда Жиззах чўлини қалдирғоч хўжалиги ташкил топди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Жамоамизда янги ва улуғ ишнинг.. қалдирғочлари бўласиз.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *..Ҳожиакбар Шайховни ўзбек илмий-фантастик адабиётининг қалдирғочларидан бири, деб атаса бўлади.* Газетадан.

ҚАЛИН I **1** Кўндаланг ўлчами катта (одатда ясси-ёйиқ нарсалар ҳақида). *Қалин китоб. Қалин тахта. Қалин қоғоз. Қалин намат. Пўчоғи қалин қовун.* ▬ *У дафтарнинг қолган ёзувларини ҳам ўқир экан, қалин лабларига титроқ кирди.* «Муштум».

2 Бир неча қаватли ёки орасига нарса солиб ишланган (асосан, кийим, кўрпа ва ш.к. буюмлар ҳақида). *Қалин кўрпа. Қалин тўн. Қалин кийинмоқ.* ▬ *[Фосиҳ афанди] Қалин кўрпача устида савол-жавобга қулоқ солиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..эски қалин чопон.. лозиму кўйлак олиб чиқди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *[Қутидор:] Ўзингни тежа, қизим, ўрнингни қалин қилиб бурканиб ёт, терласанг ёришасан, қизим?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бир-бирига жуда яқин жойлашган; зич, тиғиз. *Қалин соч. Қалин майса. Қалин ўрмон.* ▬ *Қуёш секин-аста кўтарилиб, қалин шохлар орасидан мўралай бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..қалин ўт устида ўтириб, атрофни кўздан кечирди.* А. Раҳмат, Соқов бола.

4 Туташ ҳолатли; қуюқ. *Уларнинг ҳовлисидан қошига қалин ўсма қўйган, қомати барваста, чеҳраси қувноқ аёл чиқиб келяпти.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Икки ўртоқ.. қатор дарахтлар қалин соя ташлаб турган кўчага бурилишди.* С. Кароматов, Олтин қум. *«Жинчироқ» ҳам кўринмайди, уй ичи қалин тутун.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йўлни кўзлаб ўтирган эдим, у ёқдан.. қалин чанг кўтарилганини кўрдим.* С. Айний, Қуллар.

5 Кўп, мўл. *Қалин қор.* ▬ *Бозор куни бўлганидан, расталарда одам қалин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўй эгаси йирик қўшма корхона раҳбари бўлгани учунми, одам жуда қалин эди.* Газетадан. *Ташқари супуриб-сидирилган, қалин қилиб сув урилган бўлиши керак.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 *кам қўлл.* Йўғон. *Наридан келади қалин бир овоз.* М. Шайхзода. *Соқолли кампир бир қўлини Нурининг бошига енгил қўйиб, баланд, қалин товуш билан.. сўзларни оҳангдор чўзиб қичқирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 *кўчма* Яхши ва мустаҳкам алоқали; қадрдон, яқин, жонажон. *У менинг қалин ўртоғим.* ▬ *Низомжоннинг энг қалин ошнаси Каримжон ҳам фронтга кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тантибойвачча у билан бир йилдан буён қалин дўстлашиб, ҳар ҳафта улфатчилик қилишга бошлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Олимлар саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари билан қалин ҳамкорликда.. бир қанча ишларни бажардилар.* Газетадан.

Териси (*ёки* **бети) қалин** *қ.* **тери** I.

ҚАЛИН II *этн.* Никоҳ тўйида куёв томондан келин томонга бериладиган, тўланадиган пул, мол ва ш.к. *У тўй шарту шароитлари устида, қалин устида савдолашиб ўтирмай, фотиҳага қўл кўтарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бизга ҳеч нарса — данғиллама тўй ҳам, қалин ҳам, сеп ҳам керак эмас, деб уқтиришди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Чиқиб олиб берай шоҳнинг қизини, Қалинни берганча қараб тураман.* «Алпомиш».

ҚАЛИНЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **қалинлашмоқ 1-3.** *Оломон борган сари қалинланиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЛИНЛАТМОҚ Қалинроқ қилмоқ, қалинлаштирмоқ.

ҚАЛИНЛАШМОҚ 1 Кўндаланг ўлчами ошиб, йўғон, қалин тортмоқ, қалин бўлмоқ. *Қоғоз қалин бўлса, китоб қалинлашиб кетади.* ▬ *Томларда, дарахтларда қор анча қалинлашган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир-бирига яқин жойлашмоқ, тиғизлашмоқ, зичлашмоқ. *Суғорилган майса қалинлашди. Шойи ювилгач, қалинлашди. Ўрмон тобора қалинлашмоқда. Осмондаги булутлар қалинлашмоқда.*

3 Мўл бўлмоқ, кўпаймоқ. *Кўчада одам қалинлашди.*

4 *кўчма* Қалин дўст, яқин ўртоқ бўлмоқ, яқинлашмоқ, дўстлашмоқ. *Шу кунларда улар жуда қалинлашган.* ▬ *Солдатлар йўл-йўлакай бир-бири билан жуда қалинлашиб кетди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ҚАЛИНЛАШТИРМОҚ Қалинлашмоқ фл. орт. н. *Сочни қалинлаштирадиган дори. Сувоқ деворни қалинлаштиради.*

ҚАЛИНЛИК Қалин ҳолат; қалин ҳолат, муносабатга эгалик. *Тахтанинг қалинлиги. Деворнинг қалинлиги.* ▬ *Ҳар бирининг* [*понанинг*] *узунлиги бир газ, қалинлиги гугурт қутисининг бўйидай, эни ярим қарича бўлиб, то нариги учигача икки томони бир зайлда юпқаланиб борарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ахир у менинг Анна билан қалинлигимни биларди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚАЛИНЧИ *этн.* Кимса эшигида хўжайин томонидан тўланган қалинни қоплаш учун ишлаб турган хизматкор, қарол. *Бошига қозоқи тумоқ кийган подачи йигит ҳаммадан айрилиб, четга чиқди-да, ёшгина хотинини эргаштириб кета бошлади. Бу Аллонбийнинг қалинчиларидан бири эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚАЛЛИҚ 1 Бирор йигитга унаштирилган қиз (шу йигитга нисбатан). *Фотиманинг Тошкентдан ёзги таътилга келишини сабрсизлик билан кутиб турган Матёқуб қаллиғи келиши биланоқ тўйни бошламоқчи.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Қаллиқ ўйнаш *этн.* Никоҳгача (шариатга хилоф равишда) унашилган қиз – бўлажак келин билан махфий учрашиш.

2 Эрли ёш жувон, ёш хотин. *Абдуваҳоб бўлса.. ўз эрки билан ишлайди, қора кўз қалліқчаси билан чиқиб экин экади, дарахт ўтқазади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 *с. т.* Куёв бўлмиш йигит (унаштирилган қизга ёки хотинига нисбатан). *Маликанинг ишораси билан бир қиз Ойқиз ва унинг қаллиғига мевали патнисни тутди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ҚАЛЛОБ [*а.* قلّاب – ҳаракатчан; бекарор, ўзгарувчан] Ўз манфаати йўлида турли найранглар ишлатувчи, алдам-қалдам, қинғир, қалб ишлар қилувчи; фирибгар. *Ширин қизлар, қаллоб ошиқ қўлин олманг, Даврон суринг ҳур меҳнатда, асли толманг.* А. Пўлат. *У қаллоб сизни йўлдан оздирмасин.* Мирмуҳсин, Умид.

ҚАЛЛОБЛИК 1 Қалб ишлар билан шуғулланиш. *Қўрқувнинг энг заҳарли меваларидан бири – ёлғон билан қаллоблик. Ҳеч ким ўз-ўзидан ёлғончи бўлмайди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Қинғир, қалб иш. *Қаллоблик қилмоқ.* ▬ *Сиз бундай қаллобликни илгари ҳам қилган эдингиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАЛЛОБЧИЛИК *с.т. айн.* **қаллоблик 2**. *Шофёрлар ўртасида қаллобчилик авжига минган.* «Муштум».

ҚАЛМОҚ I *қ.* **қалмоқлар.** *Қалмоқ тили. Қалмоқ халқи. Қалмоқ қиз.*

ҚАЛМОҚ II *с.т.* Қармоқ. *Дарёга қалмоқ ташлаган киши илинганини олади-да. Қайси бир балиқчи тўрига тушган лаққани ташлабди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАЛМОҚИ Қалмоқларда бўладиган, қалмоқларга хос; қалмоқча. [*Ўзбек ойим*] *Иккита рўмолига ҳам қониқмай, ўзининг келинлигидан ўралмай қолган қалмоқи саллачасини қўшган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қалмоқи мол Қорамолнинг иссиққа чидамсиз бир тури, нави.

ҚАЛМОҚЛАР Россия Федерацияси таркибидаги Қалмоғистон Республикасининг туб аҳолиси, туркий тилларнинг бирида сўзлашуви халқ, қалмоқ халқи.

ҚАЛМОҚЧА 1 Қалмоқ халқига, маданиятига, урф-одатига, тилига оид. *Қалмоқча рақс.*

2 Қалмоқ тили. *Қалмоқча(ни) биласизми? Қалмоқча суҳбатлашмоқ.*

ҚАЛОВ 1 Қаламоқ фл. ҳар. н.

2 *айн.* **тутантириқ.** *Жапақ ўтов ўртасидаги ўчоқда қаловига қамиш солиб, тезак тутатди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Қаловини топмоқ 1) тўғри қаламоқ; 2) *кўчма* йўлини, иложини топмоқ; ишнинг кўзини билиб иш тутмоқ. *Қаловини топса, қор ёнар.* Мақол. ▬ *Гап айланиб-айланиб, қишлоқ хўжалик техникасига бориб тақалди. Қалови топилиб қолди шекилли, Икромжон бирдан очилиб кетди.* И. Раҳим, Хислат.

ҚАЛОҚ I Бурунда қотиб қолган мишиқ.

ҚАЛОҚ II *шв.* Чилчўп.

ҚАЛПОҚ 1 Юпқа наматдан қилинган бош кийими. *Бахмал жиякли оқ қалпоқ.* ▬ *У.. эгнига брезент чакмон, бошига оқ намат қалпоқ кийган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ҳар қандай тўқима ёки матодан тикилган бош кийим. *Болалар қалпоғи. Похол қалпоқ.* ▬ *Ошпаз оқ қалпоғини пешонасидан юқори кўтарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Таманно эртасига магазиндан шалвар, офтобдан яхши сақлайдиган оқ қалпоқ.. сотиб олди.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно. *Дарвоза олдида.. бошига учли қалпоқ кийган давангирдай қаландар турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *с. т.* Каска. *Мис қалпоқ. Пўлат қалпоқ.* ▬ *Асқар полвон ҳансираб ва бошидан каскасини олиб, ерга тўнтарди: манглайни эзиб юборди бу чўян қалпоқ!* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 *шв.* Дўппи, каллапўш.

5 Нарсалар устини қоплаб, беркитиб турадиган соябон ёки қопқоқ. *Шипга осиғлиқ қирқинчи чироқнинг қалпоғи уй деворларининг тепа ёғига чўзиқ соя солган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

6 Бирор нарсанинг қалпоқли қисми, каллаги; каллак. *Мих қалпоғи. Замбуруғ қалпоғи.*

Қалпоқ қилиб киймоқ Бирор нарсани қойил қилиб бажарувчи, бирор иш-фаолиятнинг жуда устаси бўлган шахсга нисбатан қўлланади. *-Ишни қалпоқ қилиб кийиб қўямиз, – дея жавоб қайтардик.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ўрток Солибоев кўзбўямачиликни қалпоқ қилиб*

кийиб юрган кунлардан бирида.. митинг бўлиб қолди. «Муштум».

ҚАЛПОҚДОР *айн.* **қалпоқли 3**.

ҚАЛПОҚДЎЗ Қалпоқ ва умуман бош кийим тикувчи уста, ҳунарманд.

ҚАЛПОҚЛИ 1 Қалпоқ кийган, бошида қалпоғи бор. *Отлиқ.. беҳилардан бирининг чанг босиб ётган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб, уни ҳидлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қалпоқсимон қопқоқ билан ёпилган, қалпоқ кийдирилган. *Барак шипининг ўртароғига осиғлиқ тунука қалпоқли қирқинчи лампа хира нур сочиб турибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Каллакли, каллакдор, қалпоқдор. *Қалпоқли замбуруғ.*

ҚАЛПОҚЧИ *айн.* **қалпоқдўз.**

ҚАЛТИЛЛАМОҚ *с. т.* Қалтирамоқ, титрамоқ; силкиниб қўймоқ. *Ёлғизоёқ кўприк қадам босганда қалтиллаб турар эди.* ▬ *Саидхоннинг.. учбурчак шаклидаги мошгуруч соқоли қалтиллаб олди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ҚАЛТИРАМА 1 Қалтираб, тебраниб турадиган, қалтироқ, титроқ.

2 *тиб.* Ихтиёрсиз қалтирашдан, аъзонинг бирор ери ихтиёрсиз учиб туришидан иборат касаллик.

3 *шв. айн.* **қоқшол** II.

ҚАЛТИРАМОҚ 1 Кучли тарзда титрамоқ; қалт-қалт қилмоқ. *Совуқдан қалтирамоқ. Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди.* Мақол. ▬ *Адолат сурбет Бозоровни кўриши билан ғазабдан қалтиради ва титроғини босиш учун пахта тераверди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Охири мадори кетаётганини сезди, тиззалари қалтиради.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қўрққанларидан дағ-дағ қалтираб туришибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 *кўчма* Шундай ҳаракатни эслатувчи, шунга ўхшаш ҳолатга нисбатан қўлланади (нарсалар ҳақида). *Чўлнинг у ер-бу ерида қовжираб турган шувоқ муттасил кезиб юрган чўл шабадасида қалтираб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қоғоз қўлимда шамолдаги баргдек қалтирар, ҳарфлар сакраб, сўзлар тутқич бермасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Баширжоннинг овози қалтираб, томоғи қуруқшаб кетди.* Н. Аминов, Суварак.

Тили қалтирамоқ *кам қўлл. айн.* **тили қалдирамоқ** *қ.* **қалдирамоқ.** *Сатторқул.. ҳарчанд гапиришга уринса ҳам бўлмади, тили қалтираб қолаверди.* «Муштум».

ҚАЛТИРАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **қалтирамоқ 1**. *[Анвар:] Сени.. сенга мумкинми, Раъно! -Мумкин! — деб қалтиранди Раъно.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚАЛТИРОҚ 1 Кучли тарздаги титроқ (*қ.* **титроқ 1)**. *Уни қалтироқ босди. Бутун аъзойи баданига қалтироқ кирди.* ▬ *Бекнинг вужудини қоплаб олган қалтироқ тобора кучаяр, қалбининг дукиллаб уриши ўзига эшитилиб турарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бу зах хонада Адолатни қалтироқ босди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бозор қалтироқдан, қўрқувдан тамоман толиб, мудраб кетган экан, кўз очиб қараса, тонг отибди.* А. Мухтор, Чинор.

2 *сфт.* Қалтираган ҳолатли. *Бой аъзойи баданидаги яраларнинг аламини тортаётгандай безовталаниб, яна қалтироқ қўллари билан чилимга ёпишди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *-Яхшимисиз, Ҳаётхон? — деди қалтироқ товуш билан йигит.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАЛТИС 1 Алоҳида эҳтиёткорлик талаб қиладиган, нозик. *Қалтис савол.* ▬ [*Равшан полвон*] *Масала жуда қалтис эканини Жамоловдан ҳам яхшироқ тушуниб қолди.* О. Ёқубов, Ларза. *Ёш бўлса-да, дадаси сингари дадил тушади, курашнинг кўп қалтис ҳунарларини отасидан ўрганиб олган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Хавф-хатар билан боғлиқ бўлган, оқибати ёмон бўлиш эҳтимоли бор, хатарли. *Қалтис қадам. Қалтис тажриба. Қалтис ҳазил. Қалтис ҳунар. Қалтис сиёсат.* ▬ [*Майна*] *Бу хатарли, қалтис сафардан асло чўчимасди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Аҳмаджон ака, жуда қалтис иш-да.. Бир чувингиз чиқса борми..* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Самарқандга таваккал қилиб бораётган Бобур жуда қалтис ишга бел боғлаганини сезарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ўйламай, билмай, ихтиёрсиз қилинган; ноқулай. *Терговчи гапни қалтис бошлаб қўйганидан пушаймон бўлди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Қалтис йиқилиб, бирон жойи майиб бўлган киши бунинг оғриғини ўша тобда эмас, кейин билганидек, Сидиқжон бу можаронинг бутун даҳшатини.. кейин билди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Қалтис емоқ *айн.* **шикастланмоқ.** *Ўшанда оёғи қалтис еган, лекин табиблар уни чиққан деб қайта-қайта шиқирлатиб сола берганларидан, бир оёғи калта бўлиб қолган.* Ойдин, Ҳикоялар. **Қалтис кетмоқ** Эҳтиётсизлик билан оқибати ёмон бўлиши мумкин бўлган иш, гап-сўз қилмоқ. *Сиз жуда қалтис кетдингиз-да. Бирдан «мўътабар» одамларнинг ёқасига ёпишдингиз..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ҚАЛТ-ҚАЛТ: қалт-қалт титрамоқ Қаттиқ, зир-зир титрамоқ. *Замира кутилмаган жанжалдан қалт-қалт титрар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Қалт-қалт қилмоқ** *айн.* **қалтирамоқ.** *Қўйлар.. очлик ва совуқдан қалт-қалт қилар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАЛЪА [*а.* قلعه – девор билан ўралган қўрғон, шаҳар] **1** *тар.* Душман ҳужумига қарши мустаҳкам девор ва хандақ билан ўралган, мудофаа воситалари, истеҳкомлар билан таъминланган шаҳар. *Андижон қалъаси мустаҳкам. Бобур мирзо у ерда бўлса, қалъа янада мустаҳкам бўлур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Катта бой, ер эгаларининг сарой қўрғони; қаср, арк. *Туроббийнинг қалъасида тўққиз от чоптирим ердан кўринадиган битта терак бўларди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 *шв.* Шаҳар. *Канизларнинг кўпи турли қалъалардан олиб келинган ёш гўзаллар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мингта қалъадан далам яхши, Охун. Бизнинг қизларимиз ҳам жуда шўх бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзим қишлоқиман, қалъадан нарида тураман..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАЛЪАЧИ *тар.* Шаҳарларга, хусусан, Россия шаҳарларига бориб савдо-сотиқ қилувчи йирик маҳаллий савдогар. [*Йўлдошбой*] *«Қалъачи» савдогар бўлиб, майиз, ўрик ва бўз пахталик чопонларни Оренбург, Қазали ва Оқмачит каби шаҳарларга олиб бориб сотиб, у томонлардан Россия молларини олиб келиб сотарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚАЛҚИМОҚ 1 Суюқликнинг бетида чайқалмоқ, тебранмоқ. *Қайиқ сувда қалқиб турибди.* ▬ *Сув юзида қамиш ғарамлар қалқиб сузар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Юзада, бирор нарса устида лапанглламоқ; у ён-бу ён чайқалмоқ, силкинмоқ. *Ердан кўтарилган чанг-тўзон оғир-оғир қалқиди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ўртада устига қора гулдор жойнамоз ёпилган тобут.. елкама-елка қалқиб ўтади.* Т. Ашуров, Марварид тут. *Назокат қора хонатлас кўйлак кийиб олган, қизил духоба нимчаси остида тўла кўкраги қалқиб турарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Ихтиёрсиз, қандайдир таъсир билан бирор томонга силтанмоқ. *Трамвай қўзғалганда, бир мўйсафид қалқиб кетиб, икки йигитга тегиб кетди.* «Муштум». *Малоҳат юрак олдириб қўйгани учунми ёки чўчидими, ўтирган стулида бир қалқиб кетди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

4 *кўчма* Нотинч ҳолатда, ҳаракатда бўлмоқ. *Замона қалқиб турибди, бек тугул амирнинг ўзи ҳам қутқуда эмиш.* А. Мухтор, Чинор. *Икки ўртада сўз қочиб, вазият қалқиб турганда, ёшгина йигит сўз сўради..* С. Маҳкамов, Гина.

5 Бирор нарса остидан, ортидан, тубидан сиртга (юқорига) чиқмоқ. *Улар, баъзан, биронтаси сув юзига қалқиб чиқиб қолса, яна ўқ отишарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Дарахтлар ортидан ой қалқиб, секин сузиб кўтарила бошлади.* Ойбек, Нур қидириб. *Мамажоннинг ўпкаси тўлиб, кўзига ёш қалқиди.* С. Нуров, Нарвон.

6 Ўтирган, ётган ўрнидан турмоқ, қўпмоқ. *Оппоқ дала, қир, Ой нури балқир, Тонг отар-отмас Битта қиз қалқир.* М. Алавия. *Хон ўрнидан қалқиб туриб, ҳеч кимга қарамай, ҳеч нарса демай, ўқдай отилиб, ичкарига кириб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Оёққа қалқимоқ Ўтирган жойидан тикланмоқ, тик турмоқ. *Юзбошилар ҳам оёққа қалқиб, қўл қовуштиришди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳамма оёққа қалқиб, саломлашди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Юраги қалқимоқ** Қалбида кучли нохуш ҳис-сезги қўзғалмоқ. *Ёдгорнинг юраги қалқиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

7 Пайдо бўлмоқ, чиқмоқ, тошмоқ. *Унинг баданига аллақандай қора доғлар қалқиган, иситмаси чиқиб ётибди.* А. Мухтор, Туғилиш.

8 *кўчма* Намоён бўлмоқ, акс этмоқ. *Ойна опа чеҳрасидаги жиддийлик йўқолмаган бўлсада, лабларининг бир четида табассум қалқиди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Чеҳрасига қалқиб чиққан аламли ифодани яширишга*

уриниб, бурилиб қаради. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

9 *кўчма* Иккилик бўлиб, на у ёқли, на бу ёқли бўлмай турмоқ; иккиланмоқ. *Мингбошининг бу тилёғламалиги мажлиснинг қалқиб турган қисмини ҳам унинг томонига буриб юборди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

10 *айн.* **ўқчимоқ.** *Қандолат буви чой ҳўплаб туриб, пиқ этиб кулиб юборган эди, қалқиб кетди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Томоғимдан ош ўтмай, қалқиб кетдим.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ҚАЛҚМОҚ *айн.* **қалқимоқ.**

ҚАЛҚОВУЧ *тех.* Суюқликка ботирилган ҳолатда кўтарилиш кучи ва сузувчанлик хоссасига эга бўлган, суюқлик сиртига қалқиб чиқадиган, енгил материаллардан тайёрланадиган мослама.

ҚАЛҚОН 1 Жангчининг танасини қилич, найза ва ш.к. тиғли қуроллар зарбидан ҳимоя қилувчи, турли материаллардан ясалган мослама. *Бадиа сири фош бўлиб — қиличи синиб, қалқони тешилган сарбозолардай, лол бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳаммадан олдинда бошданоёқ зирҳли кийим кийиб, қўлида қалқон тутган Аҳмад Танбал келмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Офат, бало, кўнгилсиз ҳодисалар ва ш.к. дан сақловчи восита; тўсиқ, ғов. *Қум балосига, гармсел балосига нима қалқон — дарахт қалқон.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Низомулмулк.. сизнинг зарбангизга қалқон қидириб, ўзини у томонга яқинроқ олиб юрибди.* Ойбек, Навоий.

3 *кўчма* Ҳимоячи. *Матҳасан оғам ёнимда бўлса, кўчада қўрқмай юраман. Бу менинг қалқоним-да.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Кўкрагини (*ёки* **кўксини, бағрини, ўзини) қалқон қилмоқ** Жонини ҳам аямай қўриқламоқ, кўксини тутиб ҳимоя қилмоқ, даф этмоқ. *Ана шу йилларда Холмат Ражабов.. душманларга кўкрагини қалқон қилганлардан.* Н. Сафаров, Оловли излар. *У кўксини қалқон қилиб, юртини ҳимоя қилди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя. *Бир тўда одамни.. тасирлатиб ўққа тутишганда, бир чол, болани орқасига олиб, ўзини қалқон қилган экан-да.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ҚАЛҚОНЧА 1 Қалқон с. кичр.

2 *зоол.* Қўнғиз ва ш.к. ҳашаротлар қанотининг қаттиқ қобиғи.

ҚАЛҚУВЧАН Ботирилганда қалқиб чиқаверадиган, қалқиб турадиган, ботмайдиган.

ҚАМАЛ 1 Шаҳар, қалъа, армия ва ш.к. ни таслим бўлишга мажбур этиш мақсадида душман қўшинларини қуршаб олиш ва шундай ҳолатда сақлаш; қуршов, муҳосара. *Қамал ҳолати. Шаҳарни қамал қилмоқ. Душманни қамалга олмоқ. Қамалда қолмоқ. Қамалдан чиқмоқ.* ▬ *Етмиш кунлик бир қамал, етмиш кунлик четдан ва энг ози қишлоқлардан муносабатни узиб туриш, албатта, Тошкентни бўлдириб қўйган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахси қалъасининг қамалда қолиши мирзога энди муқаррардек туюлди. У эшик оғага олти ойлик захира тайёрлашни буюрди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Бирор давлатни сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан яккалаб қўйиш мақсадидаги хатти-ҳаракатлар мажмуи. *Иқтисодий қамал.*

Қамал қилмоқ Қамал ҳолатига олмоқ, шундай ҳолатда сақламоқ. *Шаҳар қамал қилингани бу ваҳимани яна ҳам кучайтириб юборди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бобур ўтган дафъа Самарқандни етти ой қамал қилганда, шаҳар халқи очликдан нечоғли азоб тортганини Навоий ҳам эшитган бўлса керак.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 *кўчма* Ўраб олинган, чиқолмайдиган кўринишли ҳолат ҳақида. *Ой булутлар қамалидан чиқиш учун югурарди.* «Ёшлик».

ҚАМАЛИШМОҚ Қамалмоқ фл. биргц. н. *Полициялар, миршаблар яна уйларига қамалишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАМАЛМОҚ 1 Қамамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Бир йилга қамалди. Моллар қўрага қамалди.*

2 Ташқи муҳит билан алоқада бўлмай, ўзини маълум бир муҳит, жойда босим тутмоқ, босим шу ҳолатда бўлмоқ. *Қарилик орқасида кўздан қолиб, икки-уч йилдан буён уй ичига қамалган қайнатаси Нажмиддинбойнинг давлати зўр.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишдан бўшатилган Баширжон ўн кунча уйида қамалиб ётди.* Н. Аминов, Суварак.

3 Ичкари кириб ёки илиниб, тутилиб, чиқа олмай қолмоқ, тутилмоқ, тушмоқ. *У ичига катта оқ каламуш қамалган қоп-*

қонни ерга қўйди, эшикчасини очди. Ойбек, Танланган асарлар. *Кўзи тиниб, мияси ари қамалган қовоқдек ғўнғиллади, оёғи қалтираб мажолсизланди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

4 Атрофи ўралган жойга кириб, тўпланиб қолмоқ. *Уйга қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда.* ▬ *Чор атрофдаги тунука томлардан чиққан ҳарорат ҳовли ичига қамалиб қолгандай туюларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚАМАМОҚ 1 Озодликдан маҳрум қилиб, қамоқхонага ёки бошқа бирор қамоқ жойга ташламоқ, қамоққа олмоқ. *Турмага қамамоқ. Авахтага қамамоқ. Беш йилга (беш йил муддат билан) қамамоқ.* ▬ *Агар ҳоким ҳеч кимни, айниқса, Қудрат акани қамамаган бўлса, аҳолини қўрқитмаслик, ишдан совитмаслик учун қамамаган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нима қилсин, милицияга бориб, ё мени қаманглар, ё оқланглар, десинми?* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Бирор чиқолмайдиган жой, хона ёки ҳолатга олмоқ. *Ғулом қори Азимбойваччанинг болаларини ҳужрасига қамаб олиб, хафа қилаётган экан..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Авазни кичкина ҳужрага олиб кириб қамаб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Атрофи ўралган (одатда, доим сақланадиган, махсус) жойга ҳайдаб киритмоқ, ҳайдаб киритиб, бекитиб қўймоқ; тутқунликка солмоқ. *Қўйларни қўрага қамамоқ. Товуқларни товуқхонага қамамоқ.* ▬ *Ёйишга жойи бўлмаган хўжаликларгина молларини оғилхоналарга қамаб боқади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Сорахон пашшани кафтига қамаб, муштини Саидийнинг қулоғига тутди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 *с. т.* Берк жойга тиқиб қўймоқ, берк жойга тиқиштириб сақламоқ. *Нарсаларни омборга қамамоқ.*

5 *с. т.* Дам бермоқ, дамламоқ. *Камерага ҳаво қамамоқ.*

ҚАМАР [*а.* قمر – ой; йўлдош (сайёраларда)] **1** *кт. айн.* **ой 1**. *Букун коинотда Шамс – подшо, Қамар вазирдир.* Ойбек, Навоий.

2 Қамар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҚАМАРИЯ [*а.* قمريّه – ойга оид, тааллуқли] *кт.* Мусулмон оламида ойнинг иккита бир хил фазаси, мас., Ой туғилган кундан келгуси Ой туғилган кунгача бўлган вақт асос қилиб олинган йил ҳисоби (Қамария ҳисобидаги йил, шамсия ҳисобидагидан деярли 11 сутка қисқа. Қамария ойлари: муҳаррам, сафар, рабиулаввал, рабиуссоний, жумодилаввал, жумодиссоний, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа).

ҚАМАШМОҚ I **Қамамоқ** фл. бирг. н. [*Баҳром:*] *Мендан кейин онамни қамашибди. Кампир турмада.. қазо қилибди. Синглим домдараксиз.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Эртасига Раҳимчани ҳам.. ўн беш кунга қамашибди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ҚАМАШМОҚ II: **кўз қамашди** 1) ўткир ёруғлик таъсирида кўз тинди, кўз кўрмайдиган, ажратолмайдиган бўлиб қолди. *Прожекторларга қараб кўзим қамашди.* ▬ *Тик қуёш тиғларидан кўзи қамашган чол.. чавандозлар келаётган томонга югурди.* Ҳ. Ғулом, Машъал; 2) кўз жимирлашди; кўриб ақл шошди. *Табиий, ҳаммадан Нурининг уйи ҳашаматли, қимматли жиҳозлар билан магазиндай ясатилган; кўрган одамнинг кўзи қамашади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тиш қамашди** Нордон нарса чайнаш натижасида тишлар безиллаб қолди. *Кўксултон еб, тишим қамашиб қолди.*

ҚАМИЧ *с. т.* Қамиш.

ҚАМИШ 1 Бошоқдошларга мансуб, сувда, ботқоқликда, тўқайзорда ўсадиган, бўғим-бўғим узун пояли ўсимлик; шу ўсимликнинг ўрилган пояси ва унинг чўпи. *Қамиш ўрмоқ. Қамишдан бўйра тўқимоқ.* ▬ *Улар қамишларни шалдиратиб, сувга яқин келганларида, ўзлари ҳам балчиққа ботиб кета бошлашди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Уч томони қамиш билан ўралган ҳовлига аввал Сидиқжон кирган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шу ўсимлик пояси билан ўралган, ёпилган; шундан ясалган. *Қамиш девор. Қамиш том. Қамиш най.* ▬ *Кейин бир парча қоғоз олиб, қамиш қаламни қитирлатиб ёза бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қамишдан бел боғлаб Сидқидил билан, астойдил. *Тўйларингизга қамишдан бел боғлаб хизмат қилайин, укажон.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ҚАМИШЗОР Қамиш ўсадиган (ўсган) жой, тўқай, тўқайзор. *У шалоплатиб сув олар экан, қамишзорларнинг нариги четидан қағағлаган товуш эшитилди.* С. Сиёев, Аваз.

ҚАМИШЗОРЛИК *кам қўлл.* Қамишзор жой, қамишзор.

ҚАМИШҚУЛОҚ Қулоқлари узун ва чимирилиб, диккайиб турадиган (от ҳақида).

ҚАМОҚ 1 Озодликдан маҳрум этилган кишилар, маҳбуслар, жиноятчи ва ш.к. қамаладиган жой; қамоқхона, турма. *Қамоқдаги қарияларга бир қултум сув, бир бурда нон ҳам беришмабди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Қамоқ ҳукмини (жазосини) ўташ жараёни. *Қамоқ деподаги ишидан айирган бўлса ҳам, лекин у ерда орттирган дўстларидан айиролмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўша кўнгилсиз сафари — қамоқдан қайтиб келгандан кейин маҳаллада кичкина сартарошхона очди.* Шукрулло, Сайланма. *Бу қўшиқ ажойиб қўшиқдир, сўзлари куйдирар томоқни. Ўлимни назарга илмайсан, сезмайсан сургуну қамоқни.* Ш. Раҳмон.

ҚАМОҚХОНА Қамоқ жойи; қамоқ, турма. *Қамоқхонада ётмоқ.* ■ *Обхоналар.. Бухоронинг энг мустаҳкам қамоқхонаси эди.* С. Айний, Дохунда. *Уларни шаҳар қамоқхонасига тиқиш учун олиб кетишгандан сўнг..* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАМРАМОҚ 1 Атрофлаб ўраб олмоқ, қуршамоқ. *Шаҳар атрофини ўрмон қамраган. Душман истеҳкомини қамраб олмоқ.* ■ *Коса кўтарган хотин-халаж қозон атрофини қамраб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёйилиб, тарқалиб, маълум жойни эгалламоқ; босмоқ, тутмоқ, қопламоқ. *Ёнғин бутун уйни қамраб олди.* ■ *Кеча гупиллаб қор ташлади, бугун унинг қора совуғи ҳамма ёқни қамраб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Розиқнинг аъзойи баданини яна ўлим даҳшати қамради.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бутун борлиқни қамраб олган чириллаш мана шу митти жониворларникилигига ишонгинг келмайди.* «Ёшлик».

3 Ўзида мужассамлантирмоқ, акс эттирмоқ, ифодаламоқ; ўз ичига олмоқ. *Жуда катта давр тарихини қамраб олган асар.* ■ *У [Навоий] мингларча йилги маданиятни, асрларнинг фикр бойлигини қамраган шоир эди.* Ойбек, Навоий. *У тиниқ дарё, мусаффо осмон, чексиз кенгликлар ҳақида ўйланар ва хаёли шундай улкан нарсаларни бемалол қамраб олаётганидан ҳайрон бўларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҚАМРОВ 1 Иш-фаолият, ижод доирасини ўз ичига олиш, сиғдира олиш, қамраш имконияти. *Ҳоди Зариф — қамрови кенг олим.* М. Афзалов, Жонкуяр олим. *Идрокимиздан кўра кўзларимизнинг қамрови кенгроқ бўлса не ажаб.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

2 *айн.* **қуршов, оғуш.** *Инженерлар бу жойнинг гардсимон қизғиш тупроғини қўлларида эзғилаб, хаёл қамровида ўтиришар.. эди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

3 Бирор нарсанинг фаолият доираси, чегараси. *Румия гап қамровини асосий мақсадга бурган сари, Афанасий Васильевич уста мергандек ёйни узоқроққа мўлжаллаб отарди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ҚАМТИ *рвш.* Юзма-юз, бақамти. *Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти чиқариб қўйди, уч киши қамти ўтириб, манти тановул қилдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Қамти келмоқ Бетма-бет бўлмоқ, дуч келмоқ. *Ана шу оқпадарга қамти келиб қолсам бўладими!* Ойбек, Болалик. **Қамти қилмоқ (***ёки* **қўймоқ)** Юзма-юз, бақамти қилмоқ, юзлаштирмоқ, учраштирмоқ. *Мактабдаги одатимни қилиб, болани ота-онасига қамти қилиб сўзлашдим.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ҚАМЧИ От-уловни уриб, юришга ундаш, тезлатиш учун ишлатиладиган дастали, кўпинча қайиш тасма шаклидаги асбоб. *Ўрма қамчи. От ўйнатадиган узун қамчи.* ■ *Раис отига қамчи уриб, идора томон кетди.* Ойдин, Юрагида ўти бор. *У ҳар замонда қамчисини кўтариб қўяр, от эса, сағрисига қамчи тушувини кутмасдан олға интилар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Қамчи босмоқ (*ёки* **солмоқ, бермоқ)** Қамчи билан урмоқ. *Йўлчининг юз-кўзи аралаш яна қамчи солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Асқар ота беихтиёр отига қамчи босди, яна бошини тортди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Қамчи берса, бедов от ўйнаб кетиб боради.* «Нурали». **Қамчи ўйнатмоқ** Қамчисини ҳаволатиб силкитмоқ, қамчи билан пўписа қилмоқ. **Қамчисидан қон томган** (*ёки* **томадиган, томади)** Жуда ҳам золим, шафқатсиз. *Қамчисидан қон томмаган бой — бой эмас.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. *Бу хусусда отасининг қамчисидан қон томар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Ўзи бирикиб келган сўз англатган нарсанинг калтагини билдиради. *Шоир савдогарларни ҳам сатира қамчиси остига*

олди. Газетадан. *Эрк-адолат йўлида жаҳолат қамчисидан, ҳатто қўрқинчли таҳликадан қўрқмаган Аваз..* Газетадан.

ҚАМЧИЛАМОҚ 1 Қамчи билан урмоқ. *Ғузор томондан оқ саллали кимдир биров от қамчилаб, шитоб билан келарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Арслон.. тўриғини қамчилаб, узоқлашиб қолган отлиқларни қувиб кетди.* О. Ёқубов, Излайман.

2 *кўчма* Сўз билан «урмоқ», қаттиқ танқид қилмоқ, пўстагини қоқмоқ. *Машҳур фитначи Муҳаммад Жамол чиқиб, хўп қамчилади сизни ва бизни.* Ойбек, Нур қидириб. *Фурқат, Завқий.. ўзларининг ҳажвий шеърларида порахўр амалдорларни шафқатсиз қамчилаган эдилар.* «Шарқ юлдузи».

3 *кўчма* Қистамоқ, ундамоқ, мажбур қилмоқ. *Тангриқул ҳожи қўлидаги бутун воситалар билан ерни қамчилаб, кўпроқ ҳосил беришга мажбур қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Одамни жиловлаб, қамчилаб турадиган, тоблаб чиниқтирадиган нарса — ташвиш.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Отни қамчиламоқ Зудлик билан, фурсатни қўлдан бермай ҳаракат қилмоқ; ҳаракатни тезламоқ, тезлатмоқ. *Иш кўп, вақт оз — отингни қамчила.* ▬ *Ана шу тиғиз кунларда отини қамчилаган пахтакор асти доғда қолмайди.* Газетадан. *..«отни қамчилаш керак, бўлмаса кечикасиз», деган гапи Мадинани оёққа турғизди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ҚАМЧИЛАШМОҚ 1 Қамчиламоқ фл. бирг. н.

2 Бир-бирини қамчи билан урмоқ, ўзаро қамчи солиб савашмоқ. *Қорахон қайтмайди навбат олади, Гоҳ ерларда қамчилашиб савашиб, Кўп хархаша қилар ақли шошиб.* «Алпомиш».

ҚАМЧИН *қ.* **қамчи**. *Бошқаси бўлса, қамчин билан солар эдим, лекин соқолинг оқини ҳурмат қилдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўрмонжон.. тўқайга кириб кетган тупроқтепани қамчинининг сопи билан кўрсатиб: -Канал, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАМЧИНЛАМОҚ *қ.* **қамчиламоқ.** *Юк ортиб, отни қамчинлаб.. Хадрага келганда, у бирдан отни тўхтатди..* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАМҒОҚ Шарсимон юмалоқ ўсадиган, уруғи пишганда, илдиз бўғзидан узилиб, шамол билан узоқ-узоқларга думалаб кетадиган майда тиканли чўл ўсимлиги; шўрак. *Янтоқ ўзини боғ билади, Қамғоқ ўзини тоғ билади.* Мақол.

ҚАНАҚА *с. т.* Қандай. *Бу қанақа гап?* ▬ *Отини эшитаман холос, қанақа одам, билмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАНАҚАНГИ *с. т.* Қандай. *Сен ўзинг қанақанги одамсан?*

ҚАНАҚАСИ *с.т. сўр. олм.* Қайси бири?, қайси хили?, қандай? *Бу газмоллардан қанақаси сенга ёқади?*

Бу қанақаси (бўлди)?! Таажжуб воқеа, ҳодиса ва ш.к. юз берганда айтиладиган ибора (кўпинча истеҳзо билан айтилади). *Сўрамай кетаверибсиз, бу қанақаси бўлди? Ёз чилласида ёмғир ёғяпти, бу қанақаси бўлди?*

ҚАНАҚАСИГА *рвш. с. т.* Қандай, қандай қилиб, қай йўсинда. *Қанақасига яшасанг, яшайвер. У дарёдан қанақасига ўтади?!* ▬ *Пешонамга ёзган бўлса, сизларга нима!* [*Ҳожар:*] *Ҳа, қанақасига ёзар экан у қулваччани.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚАНД [*а.* قند — шакар, обакидандон] **1** Соф шакар моддасидан, шакардан тайёрланадиган маҳсулот; ширинлик. *Чақмоқ қанд. Қанд заводи. Қанд ушатмоқ. Қанд билан чой ичмоқ. Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал тотганинг.* Мақол.

Қанд касаллиги *с. т.* Диабет. **Қандингни ур! Қандини урсин** *ёки* **қандингни е!** Таҳсин-офарин маъноларини ифодалайдиган ибора; балли, баракалла. *Қандингни ур, юлдузларинг жуфт тушган бўлса-чи, одам боласи сенларни ажрата олмас!* Ойбек, Танланган асарлар. [*Ғофир ака*] *Кўпчиликка етакчи, катта-кичикка баравар, қандини есин!* Н. Мақсудий, Умидли бола. *Биров: «Янги ер обод қилса, қандини урсин» деса, яна биров: «Бу ерда иш топилмайдими?» дерди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 *қ.* **қандлар.**

ҚАНДА *эск. кт.* Қаерда, қаёқда. *Ухлаб қолиб бўлдим банди, Қолдим юз туман армонда. Банди бўлмадим майдонда, Мендай банди бўлди қанда?* «Равшан».

ҚАНДАЙ 1 *сўр. олм.* Белги, сифат, хусусият ҳақидаги сўроқни билдиради; қанақа? *Бу қандай китоб? Қандай овқатни хоҳлайсиз? У қандай иш билан банд?* ▬ [*Ёрмат:*] *Қандай беда денг, боғи қучоққа сиғ-*

майди. Ойбек, Танланган асарлар. *Айт-чи ўзинг, Зарифа, ахир кеча қандай туш кўрдинг?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Сўроқ гаплардан трансформацияланган гаплар таркибида сўроқ англатмай, фақат нисбий белгини билдиради. *Куёв учун қандай кийим ярашмоғи ҳам баҳс қилинар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Капитан жангчиларни ном-баном чақириб, ким қандай қуролни ўрганмоқчи эканини сўради.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Э, онажонгинам, қани энди сен ҳам шу ерда тирик бўлсанг-у, ўз ўғлингнинг қандай одам бўлганини кўрсанг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Махсус оҳанг ёрдамида белги-даражани кучайтириб ифодалайди; нақадар. *Ҳаёт қандай гўзал!* ▬ *Оҳ, инсонга таъзим қилиш, қад букиш қандай оғир, қандай ҳақорат.* К. Яшин, Ҳамза. *Унсин учун — бечора қиз учун бу қандай фалокат, бу қандай мудҳиш мотам!* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Боғловчи сўз (нисбий сўз) вазифасида қўлланади. *Сотиб олинган қул қандай бўлса, у ҳам бизга шундай эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *рвш.* Қай тарзда, қай йўсинда. *Луғат қандай тузилади? Бу перо қандай ёзади? Шунча ишни бир ўзинг қандай бажарасан?*

Қандай қилиб Қайси йўл билан, қай тарзда, қайси йўсинда. *Қандай қилиб бу ерга келиб қолдингиз?* ▬ *Сиз Олтин юлдузни қандай қилиб олгансиз? Шуни айтиб берсангиз.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Биз радиоактив моддаларнинг ғўзалардаги тирик тўқималарга қандай қилиб таъсир қилишини аниқлашга муяссар бўлдик.* «Фан ва турмуш».

6 -ганда қўшимчасини олган феъллардан кейин келиб, берилган саволга ижобий жавобни бўрттириб, таъкидлаб ифодалайди. *Бу фильмни кўрганмисиз? -Кўрганда қандай. Шу китоб қизиқми? -Қизиқ бўлганда қандай дейсиз!*

Қандай бўлмасин (*ёки* **бўлса ҳам)** 1) қандайдир, қанақа бўлмасин, бари бир. *Энди у* [*Нури*] *Фазлиддиннинг ҳамма сифатларида, қандай бўлмасин, бир камчилик кўра бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) қанчалик оғир, қийин бўлса ҳам; нима (қилиб) бўлса ҳам, илож топиб. *Қандай бўлмасин, эртага келишинг керак.* **Қандай қилай** Нима қила олар эдим, нима қилай, на чора. *Энди қандай қилай, бўлар иш бўлган.* ▬ *Қандай қилай, ўртоқжон, ўзимга қолса, шундоқ бўлсин дебманми.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ҚАНДАЙДИР *гум. олм.* **1** Қандайлиги ёки кимлиги номаълум, белгиси, сифати, хусусияти у қадар аниқ бўлмаган; аллақандай. *Қандайдир шаҳар. Унинг қандайдир иши чиқиб қолибди. Қандайдир бир киши сизни сўраб келди.* ▬ *Бир парча қоғознинг юзига қора, қуюқ сиёҳ билан ўнг-тескари, қандайдир ҳарфлар ёзилган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қайсилиги номаълум, қайси бирилиги у қадар аниқ бўлмаган; аллақайси. *Ҳакимбойваччанинг яқин дўстларидан бир киши, қандайдир бир ўтиришда Мирзакаримбойга орқаворатдан тил тегизганини эшитиб, у билан узоқ замон олишган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАНДАК [*а. + ф.* قندک — олманинг ширин тури] **1** *Ўрик, жийда* каби сўзларга қўшилиб, уларнинг у қадар йирик бўлмайдиган, камсув, аммо сершира навини билдиради. *Болагинамнинг боласи — қандак ўрикнинг донаси.* Мақол. ▬ *Оғзиларига биттадан қандак жийда солгач, суҳбат яна қизиб кетди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Столнинг усти оқ-сариқ майиз, қандак ўрик, баргакларга тўлиб кетди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Халқ селекциясида чиқарилган маҳаллий эртапишар ўрик нави.

ҚАНДАЛАЛАР Қон сўрувчи ҳашаротлар туркуми. *Қандала қон сўрган вақтда кишини қаттиқ безовта қилади.* «Фан ва турмуш».

ҚАНДАЛАТ *с.т.* Қандолат.

ҚАНДАҚА *с.т.* Қандай, қанақа. *Э, қандақа хотин бу, бировнинг уйига бостириб киради!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ҚАНДАҒОЧ Оқ қайинлар оиласига мансуб бўлган баргли дарахт ёки бута.

ҚАНДДАЙ, -дек 1 Қанд каби, қандга ўхшаш. *Қанддай ширин мева. Қовун қанддай чиқди.*

2 *кўчма с. т.* Жуда яхши, кўнгилдагидай. *Икки танобгина ер олсам, оз бўлсин, соз бўлсин дегандай, қанддай иш қилар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Айниқса, Фарҳодни қўшганинг қанддек бўлибди..* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

3 *рвш. кўчма с. т.* Накд, мўмай қилиб; қуртдай. *Пулни қанддай* (*санаб*) *олди.*

ҚАНДДОН [*а.* + *ф.* قنددان – қанд идиши] Қанд, шакар солиб қўйиладиган махсус идиш. *Қўлимдаги зарҳал патнисда чойнак, пиёла ва қанддон.* «Саодат».

ҚАНДИЛ I [*а.* قنديل – чироқ, чилчироқ, люстра < *юн.* kandela – шам, шамчироқ < *лот.* candela – шам] Бир неча шам ёки лампочка қўйиладиган оёқли ёки осма чироқ; чилчироқ, люстра. *Деворий қандил. Осма қандил.* ▬ *Олтин қандилдаги элликлаб шамларнинг нури.. уйга бир хаёлийлик берар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўрнидан туриб, девордаги включателни чиқиллатган эди, уч лампали қандил ёғдуси нотинч ва ҳаяжонли юзларга тушди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Катта долон, ҳар бир уйда қий-чув, ерда чироқ, қандиллар осиғлиқ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАНДИЛ II Олма навларидан бирининг номи. *Қандил, симиренко.. олмалар серҳосиллигидан кўзингиз қувониб, дилингиз равшан бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚАНДИМ Қумда ўсадиган бута, ўсимлик. *Улар кун ёйилган бир пайтда қандим буталари билан қопланган қумтепадан ёнлаб ўтаётиб, бир ўтов, бир чайлага дуч келишди.* С. Анорбоев, Меҳр.

ҚАНДИН [*а.* + *ф.* قندين – қандли, ширин] Сершира, сершакар, ширин. *Қуюқ қандин нишолда ликопчалар, жонон пиёлаларда.. ичкарига, ташқарига кета бошлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАНДЛАР Углеводлар синфининг қуйи молекулали вакили. Қандлар биринчи қайси манбадан олинган бўлса, ўшанинг номи билан аталади. Мас., глюкоза – узум қанди, сахароза – лавлаги қанди ва б. *Шифобахш ўсимликлар витамин.. ва қандларга бой бўлади.* Газетадан.

ҚАНДЛИ Қанди бор, қанд солинган, ширин. *Қандли чой.*

Қандли диабет Организмда инсулин етишмаслиги ва моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган касаллик. *Сўнгги 20 йил ичида қандли диабет билан оғриган беморлар сони деярли уч баробар кўпайди.* «Сиҳат-саломатлик».

ҚАНДОЛАТ 1 Ун ва қиёмдан ўртасига мағиз ёки қовурилган нўхат солиб тайёрланган юмалоқ-юмалоқ ширинлик. *..хилма-хил анорлар, қандолат, парварда, пашмак.. саримойдан тортиб тандирдан янги узилган пармуда сомсаларгача бор.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Маҳаллий шакарпазлик маҳсулотлари, маҳаллий ширинликлар, қанд-курслар. *Узум кислотаси.. турли қандолат маҳсулотлари тайёрлашда кенг қўлланади.* «Фан ва турмуш».

ҚАНДОЛАТФУРУШ Маҳаллий шакарпазлик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкондор. *Дўкондорлар савдо бўлмагани учун қўшниси билан эринибгина суҳбатлашиб ўтиришади, қандолатфуруш хира пашшаларни ҳафсаласизлик билан қўрийди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҚАНДОЛАТЧИ Қандолатлар ва умуман маҳаллий ширинликлар тайёрловчи ҳунарманд, шакарпаз. *Шаҳарда машҳур бўлган бир қандолатчи.. ўз қўли билан тўйга нишолда ҳозирлайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАНДОЛАТЧИЛИК Қандолат етиштириш, тайёрлаш; шакарпазлик (*қ.* **қандолат 2**). *Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган қандолатчилик маҳсулотлари мутлақо йўқ.* Газетадан.

ҚАНДОҚ *с. т.* Қандай. *Қандоқ қилай, энди не чора?* З. Диёр. *Хотиржам бўлганда қандоқ, тақсир!* Ғ. Ғулом, Машъал.

ҚАНДЧОЙ Қанд ёки шакар қўшилган ширин чой. *Палатамизга қайтдик. Ҳожи ака каравотида ёнбошлаб, қандчой ичиб, ўзини елпиб ётар эди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ҚАНД-ҚУРС Қанд, новвот, пашмак, конфет каби ширинликлар. *Расталарда ёнғоқ-майизлар, қанд-қурслар тоғ-тоғ уйиб ташланган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Темиртош ҳам кеча қаллиғи Менглиойнинг янгасига иккита ироқи совун, упа-элик олиб, янги рўмолчасига қанд-қурс тугиб, қош қорайганда борган эди.* М. Осим, Ўтрор.

ҚАНЖИР Қўнғирлар туркумига мансуб, дарё, кўл ва ш.к. сув ҳавзаларида яшовчи қуш.

ҚАНЖИ(Р)ҒА Юк ва б. нарса боғлаш учун эгар орқасига маҳкамланган тасма, боғич ёки илгак. *Яхши ҳам чол шаҳарга ўрганмаган итни адашиб кетишидан қўрқиб, эшакнинг қанжиғасига боғлаб олган экан, бўлмаса, пок титиғимни чиқарар экан.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚАНЖИҚ 1 Урғочи ит.

2 Шу ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради. *-Ҳақорат қилди сени.. унақанги*

қанжиқ ҳар муюшда топилади, — деди [*Кимсан*]. А. Мухтор, Туғилиш.

ҚАНЗИМОҚ Обу тобидан ўтиб, қотиб қолмоқ (хамир ҳақида). *Қўлингизни ювиб, бир оз қарашворинг, хамир қанзиб қолмасин..* Газетадан.

ҚАНИ 1 *сўр. олм.* Кўз олдида йўқ шахс ёки нарсанинг қаерда экани, мавжуд ўрни ҳақидаги сўроқни билдиради. *Болалар қани? Портфелинг қани?* ▬ *Нега вақтсиз келдинг? Отабек қани?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Эътиборни жалб этиш, ундаш, даъват билдиради. *Қани, бек отаси, кўрманани беринг-чи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қани, қирғизим, дўмбирангни ол.. ўланингни чўз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қани, тўшакка ўтиринг, Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Истак-хоҳиш маъносига алоҳида таъкид, урғу беради; қани энди. *Қани бир най бўлса, Йўлчи ҳам чалса-да, бутун кўнгил қайғуларини.. кечанинг сукут тўла оғушига қуйса..* Ойбек, Танланган асарлар. *..қани шундоқ яхши соатларда унинг ёнида ўғли Низомиддин ҳам бўлса!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қани ҳамма хотин ҳам сиздай бўлса!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Қани энди *айн.* **қани 3**. *Қани энди, ҳар бандаи мўминга Деҳқонбойдай куёву сиздай қайнана насиб қилса.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Қани энди, вақтим ва имкониятим бўлса. Анави токчаларни ҳам китоб билан тўлдирар эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАНОАТ [*а.* قناعت — мамнунлик, борига шукур қилиш; қаноатлилик, камсуқумлик] **1** Озга ёки борга кўниш, бори билан кифояланиш, нафси тийиқлик билан кўпга, ортиқчаликка интилмаслик ҳисси. *Камбағални сабру қаноат асрайди.* ▬ *Қаноат қилмаса, шармандалиги ортади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Муталга раисликни бериб, ўзи муовинликка қаноат билдирган чоғларда, Равшан полвон Муталдан умиди бошқа эди.* О. Ёқубов, Ларза.

2 Мамнунлик, қониқиш ҳисси; мамнуният, қониқиш. *Поччаев ҳамманинг фақат ўзига қараб қолганини ичида қаноат билан қайд қилиб, Жуманга ер остидан «қалайсан?» дегандай бир назар ташлаб қўйди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қаноат ахлоқий, иродавий фазилатлар жумласига киради.* «Фан ва турмуш». *Қаноат йўқ ерда мурувват йўқ, мурувват йўқ ерда имон йўқ.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Ишонч, ишониш. *-Бу сирингизни мендан яширмоқчи бўласиз, — деди тамом қаноат билан Ҳасанали, чунки энди ўз кашфига жуда ишонган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қаноат қилмоқ Ўзини қаноатда тутмоқ, борига сабр қилмоқ, бори билан кифояланмоқ. *Овқат устида бошини эгиб, олдига суриб қўйишганига қаноат қиларди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Нусратбекнинг қўшимча даромад қидирмай, маошга қаноат қилиб юрганига ҳали ҳам тушуна олмасди.* С. Нуров, Нарвон. *Заргаров қийқириб кулди, чапак чалди ва бунга ҳам қаноат қилмай, ўрнидан туриб ўйинга тушди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Қаноат ҳосил қилмоқ** 1) қониқиш ҳосил қилмоқ; кифояланмоқ, чекланмоқ. *Лекин Ибн Сино бу қиссани ёзишда Қуръонда келтирилган нақл билан қаноат ҳосил қилмаган кўринади.* Газетадан; 2) рози бўлмоқ, мамнун, хурсанд бўлмоқ. *Унинг гапидан ҳаётга тўймаганлик, ўтган умридан қаноат ҳосил этмаганлик кўриниб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар; 3) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ. *Бояги сўзларни тушида эмас, ўнгида эшитганига қаноат ҳосил қилгандан кейин сўради: -Сиз Раззоқни биласизми, ўғлим?* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Истат бибининг ухлаб ётганига қаноат ҳосил қилгач, ҳовли бурчагидаги дарчадан чорбоққа ўтди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ҚАНОАТЛАНАРЛИ Қаноат ҳосил қилса бўладиган, қаноатлантирадиган, қониқарли. *Қаноатланарли жавоб.* ▬ *Эътироф қилиш керакки, районларга бўлган раҳбарлигимиз қаноатланарли эмас.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚАНОАТЛАНАРСИЗ Қаноатланиб бўлмайдиган, қаноатлантириб бўлмайдиган; қониқарсиз. *Қаноатланарсиз жавоб. Қаноатланарсиз ишламоқ.*

ҚАНОАТЛАНМОҚ 1 Озга, борига қаноат қилмоқ, бори билан кифояланмоқ, қониқмоқ. *Кичкина декча қайнатиб, бир товоқ хўрда ошга қаноатланганидан, дўкондорлар орасида у сал кунда «хўрда махсум» деб лақабланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаноат ҳосил қилмоқ, мамнун бўлмоқ, қониқмоқ. *Ишнинг унумидан қаноатланмади шекилли, чолга зуғум қила кетди.* К. Яшин,

Ҳамза. *Ўринни солиб битиргандан кейин Зайнаб қаноатланиб, уйдан чиқмоқчи бўлган эди, уни Кумуш тўхтатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Чекланмоқ, кифояланмоқ. *Элмурод эшон билан оқсоқол ўртасидаги диний муносабатга аралашишни лозим кўрмади. Фақат завқли кулги билан қаноатланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Агар биз шу бугунни ўйлар эканмиз ва бугунги ишимиз билан қаноатланиб қолар эканмиз, эртага ҳам худди шу бугунги иш такрорланаверади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ҚАНОАТЛАНТИРАРЛИ Қаноатлантирадиган, қониқтирадиган, мамнун қиладиган. *Турдиев қанча ўйламасин, охирига етмади. Ўзини қаноатлантирарли жавоб тополмади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚАНОАТЛИ Озга, борига қаноат қиладиган, кўп талаб қилмайдиган; сабрли. *Қаноатли киши.* ▬ *Афанди, «эшак ҳам қаноатли бўлар экан», деб унга ем бермай қўйди.* «Латифалар». *Исоқ ота ва унинг ўғиллари қўл меҳнати билан кун кечиришга одатланиб қолган, қаноатли, кўнгли бўш одамлар эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ҚАНОАТСИЗ Озга, борига қаноат қилмайдиган, кўп талаб қиладиган; чидамсиз.

ҚАНОР, қанор қоп Катта қоп. *Маҳкам тўлиб кетган этагини қанорга бўшатиб келди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Катта қанор қопларга тиқиб солинган пахталар араваларда ўрлаб ётарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАНОРА [*ф.* قناره – илмоқлар ўрнатилган тахта ёки тўсин] Гўшт осиб қўйиладиган бир неча илгакли мослама; чангак. *Семиз қўй ўзини қанорада кўрар.* Мақол. ▬ *Қанораларга осиб қўйилган нимта-нимта қўй, мол.. гўштлари кўзни қамаштиради.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ҚАНОРЛАМОҚ Қанорга солмоқ, жойламоқ. *Қанорланди дегунча араваларга ортиб жўната бериш керак.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ҚАНОТ 1 Қуш ва ҳашаротларнинг учиш аъзоси. *Ғознинг қаноти. Қалдирғочнинг қаноти. Капалакнинг қаноти. Пашшанинг қаноти. Қуш қаноти билан учиб, қуйруғи билан қўнар.* Мақол. ▬ *Марғилон ва Қўқонга учадиган махсус кабутар келтирилди. Найча қилинган қисқа хатлар уларнинг қанотлари тагига маҳкамланди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Нозик ранг-баранг парвоналар, капалаклар лампа атрофида айланар, гулдор қанотларини шишага уриб типирчилар, гиламга енгилгина қулаб, тинар эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қанот қоқмоқ (*ёки* **силкимоқ**) 1) такрор ҳолда қанотларини кўтариб, ёнига урмоқ. *Том орқасида хўроз қанот қоқиб, қичқирди.* А. Қаҳҳор, Анор; 2) қанотларини силкитиб учмоқ, қанотларини силкиган ҳолда парвоз қилмоқ. *Шийпоннинг атрофидаги гулзорда ранг-баранг капалаклар, игначилар қанот қоқар, асаларилар ғўнғиллар, аллақаерда ғуррак ғуриллар эди.* А. Қаҳҳор, Картина. *Ундан нарироқда қора калхат ўз санъатини намойиш қилаётгандай, қанот силкимай, бир текис сузиб юрибди.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 *кўчма* Шахс ёки нарсанинг «учиш»и, «парвоз»ига хизмат қилувчи аъзосининг рамзи маъносини билдиради. *От – йигитнинг қаноти.* ▬ *Янгиликнинг қаноти бор. Оғиздан оғизга ўтиб, тез тарқалади.* Газетадан. *Ҳамза бўлса, хаёл қанотида ўтмишни бирма-бир кезиб чиқди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шундоқ деб Илҳомнинг нозик ва майин Қанотларин Ҳасад юлиб ташлади.* А. Орипов, Йиллар армони. *Умумхалқ жонкуярлиги ўқитувчиларга қанот бахш этяпти.* Газетадан.

Қанот бағишламоқ «Учиш», «парвоз»га имкон яратмоқ, шундай имкон билан таъминламоқ; мадад бермоқ. *..юрагининг аллақаерида учқунланаётган умид унга қанот бағишлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қанот ёзмоқ** 1) қанот пайдо қилмоқ, қанот чиқармоқ, юзага келмоқ. *..қалбимда янги бир орзу – Шерободга отланиш орзуси қанот ёзди.* Газетадан; 2) тарқалмоқ, ёйилмоқ. *Илғор тажриба, ибратли ташаббус ҳамиша қўллаб-қувватланади, кенг қанот ёзади.* Газетадан. **Қанот ёймоқ** *айн.* **қанот ёзмоқ 2.** *Чўлда янги ҳаёт қанот ёймоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Қанот қоқмоқ** 1) шайланган, интилган ҳолатда бўлмоқ. *Сиздан билимдан топилиб қоларди юборишга. Ўзингиз элбурутдан қанот қоқиб қолдингиз.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда; 2) учмоқ. *У дунёга десангиз ҳам, қанот қоқиб борардим..* С. Кароматов, Олтин қум. **Қанотини қайирмоқ (***ёки* **синдирмоқ**) Иш-ҳаракат, фао-

лият воситаси (имконияти)дан маҳрум қилмоқ, мажруҳ ҳолга келтирмоқ. *[Жамила:] Қуш эдим — қанотимни қайирдилар. Гул эдим — булбулимдан айирдилар.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Қанотимни қайириб, Туққан элдан айириб, Ташладилар зиндонга, Бошладилар ҳижронга.* Ё. Мирзо.

3 Самолётнинг ердан кўтарилиб, ҳавода муаллақ туриши учун хизмат қиладиган қанотсимон ёйиқ қисми.

4 Автомобиль, велосипед каби машиналар ғилдираги устига лойдан ҳимоя қилиш учун ўрнатилган мослама. [*Йигит*] *Олдинги қаноти синиб қолган «Зиф» велосипедини секингина ҳайдаб келяпти.* Ш. Отамуродов, Кўнгил. *Автомобил қаноти.. алюминийдан ишланади.* «Фан ва турмуш».

5 Эшик, деразa ва ш.к. нинг табақаси. *Юнусов деразанинг қанотларини очиб, кесакисига қулочини ёзганча туриб қолди.* Н. Мақсудий, Мажлисдан сўнг. *Узоқдан Ботирнинг устма-уст берган сигнали эшитилгандан кейин катта дарвозанинг қанотлари кенг очилди.* И. Раҳим, Ихлос.

6 Ёйиқ, чўзиқ нарсаларнинг бирор томони, ёни, чеккаси. *Бинонинг сўл қаноти — эшик олди баланд айвон.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Кўчалар қанотидаги ариқларда зилол сувлар шарқираб оқиб турибди.* Л. Эргашев, Гулбулоқ.

7 Зина, кўприк ва ш.к. нинг ёнига ўрнатилган тўсиқ; панжара. *Маҳкам зинапояга қараб чопди ва унинг силлиқ ёғоч қанотидан ушлаб, учинчи қаватга югуриб чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Тоҳир кўприкнинг қанотидан пастга эгилиб қараб, шу тиргаклардан бирини мўлжалга олди-ю, тўхтади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

8 *ҳарб.* Ёйиқ жойлашган қўшинларнинг, фронтнинг ўнг ёки сўл томони, шу томон қисми. *Мирзо Ёдгорнинг ўнг ва сўл қанотлари қаттиқ шикаст еб, бутунлай бебошбетартиб қочишга юз тутган эди.* Ойбек, Навоий. *Бобур қўшини ёв билан юзма-юз тўқнашиши учун ўнг қанотини олдинроқ чиқариб, дарёга орқа ўгирди-ю, жанубга томон бурила бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

9 *кўчма* Суянчиқ, кўмакчи. *Ёрим бўлса, қанотим, дейман.* Сайёр. *У* [*Низомжон*] *Икромжонга ўғил бўлди. Унинг қўш қаноти бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ.

10 *кўчма* Диққат-эътиборда бўлиш ҳолати; ҳимоя, ҳомийлик, паноҳ. *Устозлар қанотида, уларнинг кўмаги ва йўл-йўриқлари асосида илғорлар тажрибасини ўргандим.* Газетадан. *Унинг қанотида кўпдан-кўп ёш талантлар таржимонлик, таҳрирчилик сингари мураккаб ишнинг сир-асрорини билиб олдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Қанот ости (*ёки* **таги**) *айн.* **қанот 10.** *Қаноти остида сақламоқ.* ■ *Бу хатарли аснода мен сени қанотим остидан чиқармагайман.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *..мана энди у сизнинг қанотингиз тагида жон сақлаб юрган экан..* С. Маҳкамов, Шогирд. *Сидиқжон.. Собиржон қорига қарол бўлиб юрган вақтларида Хадича хола уни ўз қаноти остида ҳисоблар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қаноти остига (***ёки* **тагига) олмоқ** 1) ўз паноҳига, ҳимоясига ёки қарамоғига олмоқ. *Етимларни қаноти остига олибди;* 2) *салб.* ёнига, атрофига тўпламоқ. *Қодиров оғзи катта эркакларни қаноти остига олиш йўли билан ўз мавқеини кучайтиришга интилганини сезиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қаноти остида бўлмоқ** Кимсанинг паноҳида, ҳимоясида ёки қарамоғида бўлмоқ. [*Майсара:*] *Энди, тақсирим, давлатни ҳам кўрганман, ишқилиб, сизнинг қанотингиз остида бўлсак бўлади-да.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ҚАНОТЛАНМОҚ 1 Қанот пайдо қилмоқ, қанот чиқармоқ. *Ҳавасларим қанотланиб, кўкка учади.* Ғ. Ғулом.

2 *кўчма* Кучли иштиёқ билан шайланмоқ; интилмоқ. *Қишлоққа учишга қанотланиб ўтирганимда, дадам билан маҳалла элликбошиси офатдай, бирдан босиб келишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Кучаймоқ. *Тошбулоқ яқинида тиканак ва арча чўкиртакларидан гулхан ёқилгач, болаларнинг қувончи яна қанотланди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чироқлар. *Командирнинг шахсий жасорати ва ўрнаги бир онда юзларча одамларни қанотлантирадиган қандайдир сеҳрли кучга эга эканига асло шубҳа қилмайди..* Ойбек, Қуёш қораймас. *Йигит ҳозир ўз елкасида Акбар ака қўлининг ҳароратини сезар, унинг беғараз, самимий сўзлари келажакка бўлган ишончини қанотлантирар эди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

ҚАНОТЛИ Қаноти бор, қанотга эга бўлган (*қ.* **қанот 1-5**). *Узун қанотли қуш. Тўрт қанотли капалак. Ақлли иш — қанотли қуш.* Мақол. ▬ *Билгани шўхлик унинг, Гул қанотли капалак.* Ғайратий.

ҚАНОТ-ҚУЙРУҚ 1 Қанот ва қуйруқ. *Қанот-қуйруғи юлинган товуқ.*

2 *кўчма* Суянчиқ, кўмакчи; ҳимоячи. *Биронта тузук таниш-билиш, қариндош-уруғ борми? ..Кенг қирдаги яккаоёқ йўлдек ёлғизман. Одамларга ўхшаб қанот-қуйруғим йўқ.* С. Абдуқаҳҳор, Гап норда эмас. *Ҳали унга қанот-қуйруқ бўлиб юрганлар кўп.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАНТАР: қантар оғди Қишнинг ярми ўтди, иккинчи ярми бошланди. *Булунғур туманидаги.. Ҳ. Муҳаммадқуловнинг айтишича, одатда, далвнинг 2-3-куни қантар оғади, яъни ер тагига иссиқ киради.* Газетадан. **Қантарга олмоқ** *шв.* Қантарилиб, қиш уйқусига кетмоқ (қишда ухлаб, карахт бўлиб ётадиган ҳайвонлар ҳақида).

ҚАНТАРИҚ Қантариб қўйиш, қантариғлиқ ҳолатда тутиш ва шундай ҳолатнинг ўзи. *Ориқ ҳўкиз қантариқдан кўтармас бел.* Ғ. Ғулом.

ҚАНТАРИҒЛИҚ 1 Қантарилган, қантариб қўйилган. *Жонизоқ қантариғлиқ турган отини қозиқдан ечиб минди-ю, Нигоранинг орқасидан от қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Фойдаланилмай, ишсиз, бекор турган. *Қантариғлиқ терим машиналари.*

ҚАНТАРЛАМОҚ *шв.* Қантармоқ.

ҚАНТАРМОҚ 1 Овқатга, ем-хашакка ета олмайдиган қилиб, арқонни калта қилиб боғламоқ (асосан от ҳақида). *Отряд.. отдан тушди, ҳар ким ўз отини у ердаги дарахтлар шохига қантариб боғлади.* С. Айний, Қуллар. [*Қудалар*] *Келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун деб бир ғўнон қўйни оғилнинг устунига қантариб қўйган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Озиқ-овқат, сув бермай сириб қўймоқ, овқатдан, сувдан қисмоқ, оч қолдирмоқ. *-Бизни ишга юбормай, очликда қантарадилар, — деди Турсун.* А. Раҳмат, Брест қаҳрамони.

3 *кўчма с. т.* Ишлатмай бекор, бўш қолдирмоқ; фойдаланмай дам бериб қўймоқ. *-Нега универсални қантариб қўйдинг, Содиқ? — деди Комилжон шотут тагида ўтирган универсалчига қараб.* И. Раҳим, Ихлос. *Қантариб қўйилган машиналар ишга тушди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ҚАНЧА 1 *сўр. олм.* Миқдор, кўлам, ўлчам кабилар ҳақида сўроқни билдиради; қай миқдорда? *Тўйга қанча одам келди? Бугун қанча пахта терилди? Ошга қанча гуруч солдингиз? Намакоб тайёрлаш учун бир литр сувга қанча туз солинади? Кечгача қанча йўл юрдик? Қанчадан бери учрашмадинглар?*

2 Риторик сўроқ гапларда миқдор, ўлчам ва ш.к. нинг ортиқ даражасини, кўплигини қайд этади. *Ўйлаб қара, эртадан кечгача қанча одам билан муомала қилади!* Ойбек, Танланган асарлар. *Мирзажон ака.. қишлоқ қурилишида лойиҳачилар, архитекторлар, қурувчилар билан қанча курашмади!* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бошидан қанча хўрликлар ўтказди, лекин ўғлига бир оғиз ёмон гапирмади.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Сўроқ гапдан трансформацияланган гапларда сўроқ англатмай, фақат нисбий белги билдиради. *Қанча ётдим — билмайман, секин кўзимни очсам, ўша торгина хонада ётибман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бу жанг қанча вақт давом этганлиги Аҳмаджоннинг эсида йўқ..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бир кунда қанча сабзи-пиёз сотади — буни ҳеч кимга, уй ичидагиларга ҳам айтмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *рвш.* Ҳар қанча, нечоғли, нақадар. *Бир хизматкорнинг қизига уйланиши, қиз қанча чиройли бўлмасин, ўз обрўси учун катта нуқсон деб билган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У қанча ўйласа ҳам, Асқар ака ҳақида ёмон фикрга ботинолмас эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

5 Боғловчи сўз (нисбий сўз) вазифасида қўлланади. *Ўзбек ойим набира масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик хафа эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Товуқ билан одам орасида қанча фарқ бўлса, бу икки жониворнинг муҳаббати орасида ҳам шунча фарқ бор.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА Номаълум (мавҳум) миқдордаги кўпликни билдиради; бир талай, аллақанча. *Унинг* [*Асрорнинг*] *юрагида қанчадан-қанча орзулари бор. У шу орзуларга албатта етади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўзи билан бирга етмиш мингга яқин одам, қанчадан-қанча от-улов, озиқ-овқат, асбоб-*

ускуналар келтирибди. Ойдин, Ширинга мактуб.

ҚАНЧАЛИК Қай даражада, нақадар. *Раҳим Саидовга бу қанчалик оғир ботмасин, у Мунисхоннинг шу ерда тун бўйи ёлғиз қолишини истамас эди..* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Эртага унинг устига ёғиладиган тошларнинг оғриғи қанчалик даҳшатли бўларкин?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАНШАР 1 Буруннинг икки қош ўртасидаги юқори қисми. *Қаншари паст.* ▬ *Қаншарида кўзойнак ҳам пайдо бўлиб қолибди.* С. Анорбоев, Гулдаста. *Ойна опа ички бир титроқ товуш билан ингранди. Қаншарида икки қат ажин бўртди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Бутоқларга қаншарини урсинми, пешонасиними?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма кам қўлл.* Нарсаларнинг «пешонаси», олдинга туртиб чиққан жойи. *Юзаки қараганда, бу кашфиёт дизель тракторининг қаншарига улаб қўйилган қандайдир ортиқча дахмазадан ҳеч фарқи йўқ.* Ж. Абдуллахонов, Йўл. *Кўзга ташланадиган бир тепаликнинг қаншарини тушириб юборди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚАНҚАЙМОҚ *с.т.* Қаққаймоқ, серраймоқ. «*..очгин дарвозангни», деб узангига оёғини тираб, қанқайиб турибди.* «Тоҳир ва Зуҳра».

ҚАНҚИМОҚ *шв.* Дайдимоқ, санқимоқ. *Унда-мунда душмандан қочиб, ўрмонларда қанқиб юрган хонавайрон одамлар.. вазиятни тушунтирардилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Сизнинг тор кўчаларингизда шайтон қанқийди.. кўп таранг қилмай, нархини гапиришаверинг.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚАПИШМОҚ 1 Зич тегмоқ, ёпишмоқ. *Йигитнинг қўллари қизнинг белларига чирмашди, кўкраклари бир-бирига қапишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гоҳ деворларга қапишиб, бир кўчадан иккинчисига чопиб ўтишарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Ичига ботмоқ, пучаймоқ. *Ориқлаб, қорни қапишиб кетибди. Қорни қапишган от.* ▬ *Шербек бир қарашда уларнинг биқини қапишиб ётганини пайқади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАППАЙМОҚ Шишиб, тўлиб, тўлишиб кўтарилмоқ, олдинга туртиб, дўппайиб чиқмоқ; дўппаймоқ. *Қорни қаппайган одам.* ▬ *У* [*Хайри*] *қаппайган эски портфелини ҳовуз бўйидаги супага қўйди-да, уйга кириб, Пўлатнинг пиджагини олиб чиқди ва елкасига ташлаб қўйди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Чўнтаги (*ёки* **ҳамёни) қаппаймоқ** Пули кўпаймоқ, бойимоқ. *Мўмай фойдадан тегсиз чўнтак анча қаппайиб қолди.* «Муштум». *Айрим одамларнинг ҳамёни қаппайса, босартусарини билмай қолади.* «Муштум».

ҚАПЧИМОҚ *шв.* **1** Зарб билан урилиб, бирор томонга отилмоқ, учмоқ. *Ботир отган ўқ қалқонга тегиб, қапчиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Азим Тошевич ҳам ўзини эшикка урди. Бироқ коптокдек қапчиб кетди.* «Муштум».

2 Ирғимоқ, сакрамоқ, сапчимоқ (ўтирган еридан). *Сидиқжон унинг чап ёнига ўтирди-да, орқасидан қўлини узатиб, елкасини ушлади. Жувон қапчиб, ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАРАБ 1 Қарамоқ фл. рвдш. *Ўзбек ойим эрига анқайганча қараб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўм. взф.* (*ж.к. билан*) Нисбат, қиёс, шунингдек, макон, йўналиш каби муносабатларни билдиради. *Шароитга қараб иш тутмоқ. Даромад — қилинган меҳнатга қараб тақсимланади. Жанубга қараб йўл олмоқ.* ▬ *Кутидор билан Офтоб ойимнинг бу жавоблари ўзларича эмас, балки Кумушнинг кўнглига қараб берилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўта ўрнидан туриб, чигит экилган ерга қараб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Уйдан бўғчалар олиб чиқади ва Холнисага қараб улоқтиради.* А. Қаҳҳор, Янги ер.

ҚАРАГАНДА *кўм.* (*ж. к. билан*) Нисбатлаш, қиёс, шунингдек, сабаб, асос муносабатларини билдиради. *Сизга қараганда у ёш кўринади. Кумушга қараганда олтин оғир. Бу йил пахта ўтган йилгига қараганда анча кўп бўлди. Одамларнинг айтишига қараганда. Гапига қараганда, хурсандга ўхшайди.* ▬ *Бу икки ўрим соч қирқ кокилга қараганда жуда ҳам ўзига келишиб, унга яна бир қайта улуғворлик ва олийжаноблик бағишлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу ҳужжатларга қараганда, қизингиз эрдан чиқаётгани йўқ.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Космосга юборган элчиларимизнинг маълумотларига қараганда, Ер атрофини ўраб олган бундай заррачаларнинг сони беҳад кўпдир.* «Фан ва турмуш».

ҚАРАИМ *қ.* **қараимлар.** *Қараим тили. Қараим халқи. Қараим йигит.*

ҚАРАИМЛАР Украина, Литва, Россия ва б. ҳудудларда яшовчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ (лаҳжалари уларнинг яшаш жойларига қараб бир-биридан анчагина фарқ қилади), қараим халқи.

ҚАРАЛМИШ *тлш.* Қаратқич келишигидаги сўзга боғланиб келадиган тобе сўз (мас., *укамнинг китоби, бизнинг бурчимиз* бирикмаларидаги *китоби, бурчимиз* сўзлари).

ҚАРАМ 1 Ихтиёри, эрки-ҳуқуқи ўзида бўлмаган, бошқага тобе мавқели. *Қарам мамлакат.* ▬ *Фабрика-заводлар, корхоналар, ер-сувлар яна ўша хўжайинлар қўлида. Ишчилар, чоракор, қароллар яна уларга қарам.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сиз, яхшиларим, бу қисқа ўйлашингиз билан ўз оёғингизга ўзингиз болта уриб, яна қипчоқларга қарам бўласиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Юқори ташкилот томонидан бошқариладиган, унга итоат қиладиган; қарашли. *Шаҳар ва район ҳокимликларига тушган анчагина шикоят, аризалар текшириш учун қарам ташкилотларга юборилган.* Газетадан.

3 Кимсанинг таъминотида, қарамоғида бўлган. *Касал ўғил, хотин, боз худо берган набира. Ҳаммаси шу чолга қарам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пошшахоннинг эри энди ишга яроқсиз, хотинига қарам..* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҚАРАМАЙ 1 Қарамоқ фл. бўлишсиз рвдш. *Эсини йўқотиб қўйган қайин отасига қарамай: -Сизми, Кумуш? — деб сўради* [*Отабек*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўм.* (*ж.к. билан*) Тўсиқсизлик, зидлик муносабатини билдиради; =са-да. *Декабрь бўлишига қарамай, кун иссиқ.* ▬ *Аҳвол мураккаблашганига қарамай, илғор бўлимлар ҳужумни давом эттиришди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Гавҳарнинг қаршилигига қарамай, икки марта суратга олди-ю, раҳмат айтиб, бурилиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚАРАМАСДАН *айн.* **қарамай.** *Бундан унинг хабари бормиди, йўқми, лекин у бу томонга қарамасдан, отини эгарлаш билан машғул эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўлчининг азоб беришига қарамасдан, Турғунойнинг чеҳраси очиқ, иштаҳа билан нон ер эди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

ҚАРАМА-ҚАРШИ 1 Бир-бирига тўғри келмайдиган, хилоф, бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига зид, хилоф. *Қарама-қарши фикрлар. Қарама-қарши талаблар.* ▬ *Ғуломжон шу хил қарама-қарши ўйлар билан этини еб, узоқ ўтирди. Кетай деса, илинж қўймайди, кетмай деса — ўкинч.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аммо ҳар гал экспедициялар бир-бирига қарама-қарши, чалкаш ахборотлар қолдиришган.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Мақсад, мавқе ва ш.к. жиҳатдан ўзаро тескари, қарши ҳолатда бўлган; мухолиф. *Қарама-қарши кучлар.*

3 Бири иккинчисининг рўпарасида бўлган, бир-бирига қараб турган, рўбарў. *Қарама-қарши бинолар. Қарама-қарши жойлаштирмоқ.*

4 Бири иккинчисига қарши йўналган, қарши йўналишдаги. *Қарама-қарши шамол.* ▬ *Одамлар ҳамон кети узилмай, бир қисми хиёбон томон, бошқа қисми қарама-қарши томонга ошиқарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Йўлнинг четидан катта сой оқиб ётарди. У йўлга қарама-қарши оқарди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК Қарама-қарши ҳолат; зиддият. *Ички қарама-қаршиликлар.* ▬ *У буюк шоирнинг қарама-қаршиликларга тўла қалбини англай ва ёрқин ифодалай олган.* Газетадан.

ҚАРАМЛИК Қарам ҳолат; тобелик; эрксизлик. *Тунис халқи эндиликда.. иқтисодий қарамликдан қутулишни истайди.* Газетадан.

ҚАРАМОҚ 1 Кўриш учун кўзни бирор томонга, нарса ёки кимсага йўналтирмоқ, кўз ташламоқ, назар солмоқ; боқмоқ. *Атрофга қарамоқ. Соатга қарамоқ. Булутларга қарамоқ. Тикилиб қарамоқ. Кулиб қарамоқ. Хўмрайиб қарамоқ.* ▬ *Ҳакимбойвачча ялт этиб укасига қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамдам дадасига қараганича, узоқ туриб қолди.* А. Қаҳҳор, Айб кимда? *-Менга қара, хотин! — деди ҳожи жиддий тусда. Ўзбек ойим қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Фикран назар ташламоқ, кўз тикмоқ, боқмоқ, кўз олдига келтирмоқ. *Ўтмишга бир қаранг. Келажакка ишонч билан қарамоқ.*

3 Кўздан кечирмоқ, назар солмоқ, текширмоқ. *Хатни қараб чиқдим, айтилган*

гапларда жон бор. «Шарқ юлдузи». *[Ҳомид:] Эшикнинг занжирига бир қараб келингизчи, имон топкур Жаннат опа.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Улар бир неча кўчани қунт билан қараб чиқиб, чойхона тополмадилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қизинг қани, дедим. «Уйда эди, қаёққа борарди», деди. У ёқни қарадик, бу ёқни қарадик, йўқ. Шу қоронғида қаёққа боради?* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Юзланмоқ, юзини (бетини) бир томонга қаратмоқ. *Уялиб, ерга қаради.* ▬ *Дадам индамай, тескари қараб олдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Нури деразага қараб, ҳовлида Ёрматнинг қораси ўчар-ўчмас, Гулнорга деди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Йигит кўкка қараб, тинч ухлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Эътиборда, муносабатда бўлмоқ, ёндашмоқ. *Аммо энг катта нуқсони шунда эдики.. ўқиганларига танқидий ёндашиб, ўз нуқтаи назаридан қарамасди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Сиз бу эҳтимолга қандай қарайсизлар?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нима учун бола тарбиясига совуққонлик билан қараган ўқитувчига қонун йўқ, чақир бу ёққа Ҳамдамни!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

6 Иш-машғулот, кимса ёки нарсанинг тарбияси ва ш.к. билан машғул бўлмоқ; шуғулланмоқ; кўз-қулоқ бўлмоқ; даволамоқ, парвариш қилмоқ. *Отга қарамоқ. Экинга қарамоқ. Болага қараб турмоқ.* ▬ *Мана, сиз, битта ўзингиз ўттиз иккита машинага қарар экансиз.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Энди ишингга қара, болам..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Саидмурод ака уч кун ҳам хотинининг тепасидан жилмади, ҳўл-қуруғига ўзи қаради.* Н. Қобил, Беморлар. *-Энди менинг ҳолим йўқ сенларга қарайдиган, — деб бувим йиғлаб юбордилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ҳамма қўли бўшаганда йиғлайди, сен йиғидан бўшамайсан. На ўзингга қарайсан, на уйга.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

7 Эътибор бермоқ, назарда тутмоқ, ҳисобга олмоқ. *Бировнинг раъйига қарамоқ. Қош-қовоғига қарамоқ.* ▬ *Уй қиладиган бўлсангиз, менинг ҳам ихтиёримга қаранг-да.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўзинг нега онамизнинг розиликларига қарамаган эдинг?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Эри унга [Зайнабга] ойлаб, йиллаб қарамай қўйганида ҳам, у «их» деб товуш чиқармади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 *с. т.* Еб-ичмоқ, олмоқ. *Меҳмонлар, овқатга қараб ўтиринглар.* ▬ *Қани, нон ол, узумга қара.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 Боғлиқ бўлмоқ, аҳамияти бўлмоқ. *Ақл ёшга қарамайди.* ▬ *-Ҳа, уч ярим меҳнат ишлайдиган одамга ўхшамайдими? -Жуссага қарамас экан-да. -Нега, жуссага ҳам қарайди. Жуссаси ёмонми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Яхши эр-хотин бўлиш қўлнинг қаттиқ-юмшоқлигига ҳам қарамас экан-ку!* А. Қаҳҳор, Мастон.

10 Кимсага эргашмоқ, тақлид қилмоқ, унга боқиб, унинг белги-хусусиятлари бўйича иш тутмоқ. *Сизга қараб ўзини сипоҳ тутяпти. Одамнинг ҳуснига қарама, ақлига қара.* ▬ *Бошқаларга қараш керакмас, бошқалар бизга қарасин, кўрсин, ўйласин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

11 Юзи, беткай томони билан бирор нарсага ёки томонга рўбарў турмоқ. *Деразалари жанубга қараган уй. Тоққа қараган шийпон.*

12 Ихтиёрида бўлмоқ (тасарруфи, бо-қими ва ш.к. жиҳатдан). *Бу боғлар қўшни туманга қарайди.* ▬ *Бедапоянинг нарёғи учинчи бригадага қарайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Етти болам бор. Онам бор, хотиним — ҳаммаси бўлиб ўн киши менга қарайди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

13 Муҳокамасини ташкил этмоқ, муҳокамасини ўтказмоқ; кўрмоқ. *Суд сизнинг ишингизни эртага қарайди.*

14 Кутмоқ, пойламоқ, кўз тутмоқ. *Биз сизга икки соатча қарадик.* ▬ *Сенинг чиқаришингга қараб, қўш маҳалини ўтказиб юборайми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

15 (**деб** *сўзи билан қўлланади*) ..деб тушунмоқ, билмоқ, ҳисобламоқ, ўйламоқ. *Ҳаммани ўзига дўст деб қарамоқ.* ▬ *Қози ҳам, Асад қори ҳам жадид мактабларига қарши эди, улар бу хил мактабларга диний мактабларнинг гўркови деб қарар эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу хотинлардан ҳеч бири қилаётган ишига, касб-корига сабаби тирикчилик деб қарамайди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

16 (*2-ш. буйр. м. шаклида* — **қаранг, қара)** Ажабланиш, ўйламаганлик, кутмаганлик маъносини (эътироз, норозилик ёки мам-

нунлик маъноси билан) билдиради. *Аксига бугун ёмғир ёққанини қаранг.* ▬ *Хоинлик қилиб қўйиб, яна мунофиқлик қилганини қаранг-а!* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. *Хаёлни қаранг, ахир сизга парафин олиб келган эдим-ку!* С. Кароматов, Олтин қум. *Барака топкурни қаранг, тақсир..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Найрангбозликни қара, эви билан бўлади-да!* Ойбек, Танланган асарлар.

17 (*1-ва 3-ш. шарт майли шаклида —* **қарасам, қараса)** «Эътибор берсам», «диққат қилсам» маъносини билдиради. *Бир маҳал қарасам, темир йўлда кетаяпман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Шунақа қилиб, қарасак, элликбоши қўймайдиган..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Жонфиғон унинг ўқишига «нотавон кўнгил.. орзуга айб йўқ» деган назар билан қараб юрар экан, бир вақт қарасаки, Малоҳат курсни битириб, грузовой [юк машинаси] миниб юрибди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

18 *кўм. фл. взф.* Етакчи феълдаги ҳаракатнинг синаб кўриш, билиш, тажриба, синовдан ўтказиш ҳаракати эканини билдиради. *Табиб.. товоқдаги қусуқни ҳидлаб қаради..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўрмонжон бу йилларни суриштириб қараса, тошқин тахминан ҳар ўн-ўн икки йилда бир мартаба бўлар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳушёр пайтларида у ўзининг аҳволини ўйлаб қарар, назарида, даҳшатли туш кўраётганга ўхшаб кетар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Ер остидан (*ёки* **тагидан) қарамоқ** Юзини ерга қаратган ҳолда қарамоқ. *Унинг олдидаги ҳаммол, ёмон назар билан ер остидан қараб, юзини тескари бурди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ерга қарамоқ** Ноқулай, хижолатли ҳолга тушмоқ. *..битта-яримта эшитгудек бўлса, биз ерга қарарлик бўлмайлик, ўлтиришнинг катта илтимоси сиздан — шу!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кўзингга қара** *қ.* **кўз 3. Ола қарамоқ** *қ.* **ола. Оғзига қарамоқ** *қ.* **оғиз. Тик қарамоқ** Тап тортмай, дадил юзланмоқ, қарамоқ. *Дилфуза салом ҳам бермай, унинг кўзига тик қаради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *..умрида биринчи марта эрига тик қараб: -Ким сизни тушунган одам дейди! — деди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. **Қараб тур** Дўқпўписа, жазолаш ҳақидаги таъкидни билдиради. *Қараб тур, дадангкелсин! Шундай танобингни торттирайки..* Н. Сафаров, Оловли излар. *Маҳалладагилардан бирига: -Ҳали қараб турсин! — деди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Қараб турмоқ** 1) кўз-қулоқ бўлиб, назорат қилиб турмоқ. *Мен бозорга бориб келгунча, болаларимга қараб туринг, қўшни;* 2) кутмоқ, кутиб турмоқ. *Пулингиз йўқ бўлса, нега неварангизни пул топгунча кўммай, қараб турмадингиз.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси; 3) фаолиятсиз, ҳеч қандай муносабатсиз ҳолда бўлмоқ. *-Она шўрлик боласи учун ўзини ўтга ташлайди. Мен ҳам қараб турмайман, — деди Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Олимжон ака, сиз чора кўраверинг, қараб турманг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Подшоҳ бизнинг дўстларимизни ўққа тутса ҳам, қараб тура берамизми?* «Ёшлик».

ҚАРАМОҒ Тарбия, боқиш, тасарруф ва ш.к. жиҳатдан мансублик, ихтиёрида бўлиш, қарамлик. *Ўн ёшимгача онамнинг қарамоғида тарбияландим.* ▬ *Азизбек Туркистон хонлигининг энг золим.. бекларидан ва унинг ўз қарамоғида бўлган Тошкент аҳолисига қилган зулмлари Фарғонага достон.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эшмат ака.. қарамоғидаги болалари тўғрисида справка келса, уйга қайтаришлари лозимлигини ёзарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ҚАРАНМОҚ 1 Қарамоқ 1 фл. ўзл. н.

2 Қарамоқ, боқмоқ; синчиклаб қараб чиқмоқ. [*Отабек*] *Жавоб ўрнига ҳовли томонга қаранди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гулчеҳра худди уйқудан бош кўтарган киши каби атрофга қаранди-да.. ташқарига отилди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

ҚАРАТА *кўм.* (*ж. к. билан*) **1** Қаратиб, тўғрилаб, йўналтириб. *Канални бўйлаб ўтган кўчанинг кун юриш томонига паркка қарата солинган.. клуб одамга лиқ тўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..миномётчиларимиз ҳам душман марралари ва ўт очиш нуқталарига қарата ўт очди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Кимсани кўзда тутиб ёки унга атаб, мурожаат қилиб. *Сизга қарата айтилган гап.* ▬ *Полковник.. ҳаммага қарата нутқ сўзлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАРАТИЛМОҚ Қаратмоқ фл. мажҳ. н. *Ҳамманинг диққати бир масалага қаратилган.* ▬ *У* [*Мирзакаримбой*] *боғнинг таш-*

қарига қаратилган эшигига кирди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАРАТМОҚ 1 Қарамоқ фл. орт. н. *Уҳаммани ўзи томонга қаратди. Бемор вақтида докторга қаратмади. Шимолга қаратиб солинган айвон.*

2 Жалб этмоқ, тортмоқ. *Маърузачи ҳамманинг диққатини бир масалага қаратди.* ▬ *У биров билан шахмат ўйнар ва айни вақтда йигирмага яқин одамни оғзига қаратиб, кулдириб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон.

Ўзига қаратмоқ 1) кимсани ўзига қарашга мажбур қилмоқ, эътиборни тортмоқ. *Бу чечак қирлари ўз бағрида борган бизнинг Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) ўзига оғдирмоқ, ўзига мойил, тарафдор қилиб олмоқ ёки бўйсундирмоқ. *Уҳаммани ўзига қаратиб олди;* 3) ўзиники қилиб эгаллаб олмоқ, ўзлаштирмоқ. *Соддадил одамларнинг ҳовли-жойларини ўзига қаратиш сингари ҳаром ишларнинг пири эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАРАТҚИ *шв.* Қўриқчи (экинларга зарар етказувчи жониворларни қўрқитиш, ҳайдаш учун, баъзан кишиларни чалғитиш, алдаш мақсадида қўлланади). *Назарҳожи қаратқи миндирилган отларни баланд тепаликда қолдириб, ўзи жанг майдонига келди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҚАРАТҚИЧ *тлш.* Қаратиш йўли билан аниқлаб келиб, киши ёки нарсаларнинг кимга ёки нимага қарашли эканлигини кўрсатувчи сўз шакли, сўз бирикмасининг шундай қисми. Мас., *Менинг китобим* бирикмасидаги *менинг* сўзи.

Қаратқич келишиги Қаралмишдан англашилган нарсанинг шу келишикдаги сўз англатган предметга қарашли эканини, хослигини ифодаловчи келишик. Бу келишик *-нинг* қўшимчаси билан шаклланади. *Шу куннинг вазифалари. Олимларнинг изланишлари.*

ҚАРАШ 1 Қарамоқ фл. ҳар. н. *Тикилиб қараш. Хўмрайиб қараш. Кулиб қараш.* ▬ *Қиладиган ишим — отларга қараш, кечқурунлари ҳалиги икки қизни отлиқ саёҳат қилдириш.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Кўз ташлаш, боқиш йўсини; назар, нигоҳ. *Аёлнинг шу биргина қараши Низомиддиновнинг ҳаётини таҳликага солиб қўйди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Бирор тарздаги, бирор маъноли нигоҳ, боқиш. *Ёв қараш. Ит қараш.* ▬ *Назаров, эшитдингизми, дегандай қараш қилди. Назаровнинг шу боқиши Шербекка оғир ботди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Латифий Элмуродга ит қараш қилгани ҳолда, унинг олдидан узоқлашди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қосим отанинг диққати ошиб, йигитга пастдан қуш қараш қилди.* «Муштум».

4 Факт ва ҳодисаларни тушуниш системаси; нуқтаи назар. *Турли сиёсий қарашлар. Тил ва тафаккур муаммоларига оид қарашлар.* ▬ *..инсон улғайиб боргани сари унинг ҳаёт, дунё ҳақидаги қарашлари ҳам.. ўзгариб бораверади.* Газетадан.

ҚАРАШЛИ 1 Бошқарувида, тасаррруфида бўлган; бўйсунадиган. *Маданият вазирлигига қарашли муассасалар. Олий таълим вазирлигига қарашли ўқув юртлари.* ▬ *Набиев марказ йўлланмаси билан бизнинг бошқармага қарашли.. янги очилган шахтага ўтган экан.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

2 Бирор ҳудудий бутунлик таркибига кирувчи, унинг таркибидаги. *Қўшни вилоятга қарашли ерлар.* ▬ *Капсанчилар қишлоғига қарашли Қўғазор маҳалласида турувчи Муҳиддин Муҳаммадсолиҳ ўғли..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Бирор гуруҳ, оила ва ш.к. таркибидаги, унга оид. *Ўзимизга қарашли йигитлар, бироргасига айтамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Унга қарашли икки муттаҳам йигит кеча кеч Салимнинг кўмаги билан қизни.. кулайгина ўғирлаб чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Муайян кимсаники бўлган, унга тегишли. *..бу йил баҳорда устига янги шийпон қилинган эскигина бир уй Мирзакаримбойга қарашли бўлиб..* Ойбек, Танланган асарлар. *Чорвоқ даласи қадимда Мадамин билан Олахўжабойга қарашли эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *кам қўлл.* Тааллуқли, оид. *Мамажон ялқовнинг кундалик дафтарида турли йилларга қарашли бир неча саҳифаларни ялқовнинг ўз дастхати, ўз оғзи билан айтмоқчи бўламан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ҚАРАШМОҚ 1 Қарамоқ фл. бирг. н. *Болалар ялт этиб Ғуломжонга қарашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қизлар бир-бири-*

га қарашиб олдилар. Ойдин, Юрагида ўти бор.

2 Ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ, ёрдамлашмоқ. *Қизча онасининг ишларига қараша бошлади.* ▬ *Оқжарда олимларга қарашиб юрганини била туриб, унинг кўзини шамғалат қилиб, қизга ишқибозлик қилишади-я, тавба.* М. Мансуров, Ёмби. *Бой ота, менга ҳам бир пуд уруғликдан қарашиб турсангиз, савоб бўларди.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

ҚАРАҒАЙ, қора қарағай Игнабаргли, майда тўнғиз ёнғоғи бўладиган, тик, доимо яшил дарахт. *Қарағай ёғоч. Қарағай тахта.* ▬ *..қопчиғининг оғзини очиб, хатларни қарағай тагига ағдарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Аканг қарағай *с.т.* Ўз ёки ўзга шахсини бўрттириб кўрсатиш, юқорилаш учун ишлатиладиган ибора. *Аканг қарағай ошни қийиб юбораман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *«Аканг қарағай Гулмат» (*А. Обиджон асари).

ҚАРАҒАЙЗОР Қарағайлар билан банд бўлган жой, ер. *Аэродром шу ердан уч юз қадамча нарида, қарағайзор ўртасидаги сайҳонликда.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ҚАРДОШ 1 Дўстлик, биродарлик алоқалари билан боғланган, бир-бирига жуда яқин; дўст, биродар. *Қардош халқлар.* ▬ *Келар дўстлар, қардошлар Марказий Фарғонага.* А. Пўлат. *Усмон Серивелли шеърларида дўстимиз, қардошимиз озарбайжон халқининг бахтиёр қалби жаранглар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Қариндош, қариндош-уруғ. *Акам сутэмар бола вақтда онам касал бўлгани учун, Эргашнинг онаси акамни эмизган, у бизга сут қардош эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Оғаини, қардошимдан — Барчасидан жудо бўлдим.* «Равшан».

3 Ўзига тенг кишига мурожаат шакли; ошна, оғайни, биродар, ўртоқ. *Юрагингда нима дард бор, қардош?* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚАРДОШЛАРЧА *рвш.* Дўстона, биродарларча. *Қардошларча салом. Қардошларча ҳамкорлик.* ▬ [*Аҳмадқул*] *Оддий деҳқонлар билан қардошларча суҳбатдош бўлади.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚАРДОШЛИК Қардошларга хос ҳолат, муносабат. *Дўстлик, қардошлик, биродарлик биз етиб келган порлоқ манзилларнинг, юксак довонларнинг тамал тоши бўлиб қолди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда адабиёт — китоб айниқса муҳим роль ўйнайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚАРЗ [*а.* قرض — қарз; насия] **1** Маълум муддат ўтгандан кейин қайтариш шарти билан берилган ёки олинган нарса (пул, буюм, ғалла ва ш. к.). *Қарз(га) олмоқ. Қарз кўтармоқ. Қарз(га) бермоқ. Қарзни тўламоқ. Қарздан қутулмоқ. Мен сиздан юз сўм қарзман.* ▬ *Афандининг бир баққолдан эллик уч танга қарзи бор эди.* «Латифалар».

2 Ишлатганлик, фойдаланганлик учун тўланадиган нарса (асосан пул). *Тўлов қарзлари. Солиқ қарзлари.*

3 *кўчма* Кимсанинг зиммасидаги вазифа, мажбурият, бурч. *Ёшнинг ҳурмати — қарз, Қарининг ҳурмати — фарз.* Мақол. ▬ *Ўғил онасидан қарзин узгандай, Тоғ ҳам оқлаётир она сутини.* «Гулдаста». *Адабиёт ва санъат арбобларининг талабчан китобхонлар ва томошабинлар олдида ҳали қарзи кўп.* Газетадан.

Қарзга ботмоқ Зиммасидаги қарзи жуда ҳам кўпаймоқ, кўп бўлмоқ. *Кечагина кимсан — Шомурод бойваччанинг ўғлиман, деб керилиб юрган Нормурод қулоғигача қарзга ботиб, кафангадо бир йигитга айланди-қолди.* О. Ёқубов, Диёнат. **Қарзи қиёмат, қиёмат қарзи** *ёки* **қиёмати қарз** Тирикликда тўланиши ёки адо этилиши шарт бўлган қарз. **Қарзи ҳасана** *қ.* **ҳасана. Ҳам фарз, ҳам қарз** Албатта қилиниши, бажарилиши шарт, деган маънодаги ибора. *Ҳазили йўқ. Уйланиш сизга ҳам фарз, ҳам қарз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 *кўчма* Адо этилиши, бажарилиши шарт бўлган иш, вазифа. *..ректорат ҳам унинг иккита имтиҳондан қарзи борлигини ҳисобга олиб, бу қарорни тасдиқлаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Сен ҳумпарни қанча сўксам, яна бўйнимда қарз қолади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАРЗДОР [*а.* + *ф.* قرضدار — қарзи бор, қарзли] **1** Зиммасида қарзи бор (шахс). *Афанди бир судхўрдан қарздор эди.* «Латифалар». *Хўп, бу нарсаларни олсак, сиздан неча пул қарздор бўламиз?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Маҳалла одамларидан бир камбағал биздан қарздор эди, уч юз сўмга яқин..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Бировнинг яхшилиги, хизмати ёки, умуман, ким (лар)дир олдида бурчли; бурчли бўлган шахс. *Пўлатжон акамлар.. бизни мактабда ўқитганлар. У кишидан умр бўйи қарздормиз.* Мирмуҳсин, Умид. *Ижодий ходимлар ўқитувчилар олдида қарздордир.* Газетадан.

ҚАРЗ-ҚАВОЛА [қарз + *а.* قباله – кафолат, жавобгарлик; шартнома] Ёрдам тариқасида олинган қарз, қарз-қурз. *Боёқиш Дўсанов қарз-қавола қилиб, инспекторга минг сўм тўғрилаб берди.* «Муштум».

ҚАРЗ-ҚУРЗ [қарз + *а.* قروض – «қарз» с. нинг кўпл.] Ундан-бундан олинган қарз; ҳар хил майда-чуйда қарзлар. *Қарз-қурз билан амал-тақал қилиб, чит, тик, тринка олади.* Ойбек, Болалик.

ҚАРИ I **1** Анча ёшга борган, қартайган; кекса. *Қари киши. Қари от. Қари тол. Ёшу қари(лар). Қари билганини пари билмас.* Мақол. ▬ *Қари ҳам, ёш ҳам унинг олдида одоб сақлаётгандек, аскияга ортиқ оғиз очмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Кекса қари Катта одамлардек фикр юритувчи бола, маҳмадона. **Қари қиз** Эрга чиқмасдан ёши улғайиб, ўтириб қолган қиз. *Сидиқжонга жувоннинг бу гаплари, катта ишонч ва зўр мамнуният билан гапириши унча ботмади, шунинг учун эрдан қолган қари қиз бўлса керак, деган хаёлга борди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Узоқ ўтмишга эга. *Етиб келар муздай шабада.. Қари тоғнинг хўрсиниқлари.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Ёзди қари тарих саҳифасига Тарихни титратган бир сўз – ларзакор.* Миртемир.

ҚАРИ II *тар.* Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида турлича миқдорни ифодалаган, ип, ипакдан тайёрланган газламаларни, баъзан масофани ўлчаш учун қўлланган узунлик ўлчови бирлиги: Хоразмда 149 см га, Тошкентда 189 см га, Фарғонада 164 см га, Бухорода 320 см га тенг бўлган. *Иштонсизнинг тушига икки қари бўз кирибди.* Матал. ▬ *Тўқсон қари бўздан бўлган киссаси, Шундоқ қалмоқ айланади майдонда.* «Алпомиш».

ҚАРИЙБ [*а.* قريب – яқин, яқиндаги; қариндош] *рвш.* Тахминан, деярли, яқин. *Қарийб бир километрча масофа.* ▬ *Танк қирқэллик метр яқин келганда, Аҳмаджон ўша чакалакзордан чиққан қарийб бир рота немис пиёда аскарини кўриб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *У қарийб доимо ҳушсиз ётар, ҳеч бир нарса емас, фақат гоҳ-гоҳ сув сўраб ичарди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Троллейбус қарийб бўш бўлгани учун, Аъзамжонни бемалол саволга тутди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ҚАРИЛИК Қари эканлик. *Унинг қарилиги билинмайди.* ▬ *Жоним бобо, қарилигинг ҳурмати, Қўя бергин энди отнинг жиловин.* «Рустамхон».

2 Организм ҳаётининг ёшга боғлиқ муайян бир даври; умрнинг сўнгги, ёши қайтган ҳолати, даври; кексалик. *Қариликни донолик безайди.* ▬ *«Тиқ» этса, бирор хушхабар кутиш, ҳамсуҳбат ёки соғинган кишиси кириб келармикан, дея кўз тикишдек қариликка хос одат отада ҳам мужассам эди.* «Муштум».

ҚАРИЛЛАМОҚ «Қарр» этган товуш чиқармоқ, «қарр-қарр» сайрамоқ. *Қаердадир қизилиштон қариллади, попишак «пу-пу-путпиш» деб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАРИМОҚ 1 Ёши улғайиб, қарилик даврига ўтмоқ; кексаймоқ, қартаймоқ. *Қариган хотин. Қариган дарахт. Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса – қариганини.* Мақол. ▬ *-Сиз нечага кирдингиз? -Мени сўраманг, мен энди қариб қолдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қариб қолишган, оғир мусибатни кўтариша олмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Жисмонан қарилик даврига хос ҳолатга тушмоқ. *Хадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қалб қўрини эл хизматига бахшида қилган, юртини яшнатиб-яшартирган киши қаримайди.* Газетадан.

3 *кўчма* Эскириб, ўз умрини тугатмоқ, тугатиш босқичига ўтмоқ. *Асрлардан асрларга улашган Асл санъат қаримайди.* Қ. Муҳаммадий.

4 *кўчма* Хазон бўлмоқ, сўлмоқ. *Боғимизга зоғу хазон доримасин, Гул ила гулзоримиз қаримасин.* Уйғун.

5 *кўчма* Ўз муддатининг тугаш палласига ўтмоқ, тугаш жараёнида бўлмоқ. *-Баҳорнинг дараги бу, – деди Унсин майин оҳангда осмонга қараб, – қиш қариб қолди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ҳувуллаган сариқ водий-*

да Қариган куз ётади беҳол. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

Сафар қариди 1) маълум жойда ёки сафарда бўлиш муддати тугади, қайтиш вақти келди. *Сафар қариди. Ғуломжон ака юртини шунчалик соғинган эдики, ҳар эсласанда, юрак-бағри эзилиб кетарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон; 2) умри оз қолди, ўлимига яқин қолди. *Маъмура синглим, менга олам уйидан жой қолмади, сафарим қариди, муддатим битди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҚАРИМСИҚ Қарига ўхшаб кўринадиган, қарилик белгилари акс этган (асосан юз ҳақида). *Унинг қаримсиқ ва сўниқ.. тиришиб кетган юзида ачиниш ифодаси зоҳир бўлди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Шунинг учун башарасини ҳалитдан ажин босиб, қаримсиқ бўлиб кетган.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҚАРИМТА 1 Бирор нарса ўрнига, бадалига бўладиган (қайтадиган) нарса; қайтим, эваз. *Қиш шароитида йирик бетон ишлари икки ойга тўхтатилади. Аммо март ойининг ўзидаёқ қаримтаси қайтади.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Қасос, интиқом, ўч.

Қаримтаси қайтди 1) яхшилик қайтди; 2) қилмишига яраша жазосини тортди, қасос қайтди.

ҚАРИМТАЛИ: қаримтали дунё *айн.* **қасосли (***ёки* **қайтар) дунё** *қ.* **қасосли.** *Қаримтали дунё. Қариганимизда, Асқаржон ҳам бизларни яккалаб қўйса, нима қиламиз.* А. Исомиддинов, Гулдаста. *Қаримтали дунёни қаранг, кулганим ҳам йўқ эди-ю, қирқ кун тугул, қирқ соат ҳам ўтмай, ўзимнинг бошимга тушиб турса-я.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ҚАРИНДОШ 1 Бир авлод-аждодга мансуб бўлган кишилар, ота ва она томонидан бўлган шахслар (бири бошқасига нисбатан). *Ота томондан қариндош. Она томондан қариндош. Узоқ қариндош. Яқин қариндош. Чатишган қариндош. Қадр билмас қариндошдан қадр билган ёт яхши.* Мақол. ▬ *Тўй, маърака — барисига аралашаман. Меҳмонларини ҳам, қариндошларини ҳам танийман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аввал қўни-қўшнилар, кейин узоқ-яқин қариндошлар етиб келишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Келиб чиқиш манбаи бир бўлган, бирбирига яқин. *Турк ва мўғул тиллари қариндош тиллар эканлигини баъзи мутахассислар.. исботламоқчи бўладилар.* Газетадан.

ҚАРИНДОШЛИК 1 Қариндош эканлик. *Она томондан қариндошлик. Қўшнимизга қариндошлигини биламан.*

2 Қариндошларга хос боғланиш, муносабат; инсонлар ўртасида қон жиҳатдан боғланиш. *Тожибой ғўлдираб, жавоб берди: -Олахўжа махсум менинг тоғам бўлади. Илгари қариндошлик йўли билан унча-мунча борди-келдим бор эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *айн.* **қариндошчилик 1.** *Эрингга айтиб қўй: қариндошчилик қилмаганимда, ҳаммаларинг ётардиларинг.. ётадиган жойларингда.* Т. Малик, Ажаб дунё.

ҚАРИНДОШ-УРУҒ Узоқ-яқин қариндошлар, хеш-ақраболар, уруғлар. *Қариндош-уруғи кўп одам.* ▬ *Эралининг ҳам қариндош-уруғлари ташвишда эдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАРИНДОШЧИЛИК 1 Қариндошлик муносабатлари; қариндошларнинг бирбирига оқибати. *Шу кўрдан нима қариндошчилик чиқар эди.* «Гўрўғли». *Қани энди шунақа қариндошчилик кўпроқ бўлса.* «Муштум».

2 *айн.* **қариндошлик 1.** *Унинг гапи ғирт ёлғон.. менинг унга ҳеч қандай қариндошчилигим йўқ.* «Муштум».

ҚАРИЧ Ёзилган панжанинг бош бармоғи учидан жимжилоқнинг учигача бўлган масофа; шу масофага тенг эски узунлик ўлчови. *Киприк улай қаричдай..* Э. Охунова. *Тоғдан эсган шабада ердан бир ярим қарич кўтарилган ғўзаларнинг баргларини шивирлатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Саидий.. Салимхоннинг ўзидан бир қарич нарига жилишини хоҳламайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Бир қарич Баъзи сўзлар билан қўлланиб, белги, ҳолатни кучайтиради. *Шу қизни бир қаричлигидан тарбиялаб, едириб, кийдириб, мана вояга етказдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронман.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Кумуш] Зайнабнинг бир қарич осилиб кетган қовоқ-дудоғига истеҳзоланиб, томоша қилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тили бир қарич** Тили узун, оғзи ботир, гап билан мақтанадиган. *Ҳой, ўғлим! Қилғиликни қилиб қўйиб, тағин нега ти-*

лингни бир қарич қиласан? Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Тили бир қарич бўлиб, «ундоқ қилдим, мундоқ қилдим», дея кўкрагига уради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚАРИЧЛАМОҚ Қарич билан ўлчамоқ. *..у тўсинларни бирма-бир қаричлаб ўлчаб чиқди.* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимга келди.

ҚАРИШ Ёш улғая бориши билан организмнинг аъзо ва системаларида пайдо бўладиган салбий ўзгаришлар. *Улар организмнинг ҳаётга мослашув имкониятларининг сусайишига, қаришга олиб келади.* Газетадан.

ҚАРИШҚУЛ *с. т.* Бўри, қашқир.

ҚАРИЯ Қари(ган) киши; кекса, мўйсафид, чол. *Нуроний қариялар. Қариялар чойхонаси.* ▬ *Қариялар дастурхонга фотиҳа ўқишгач, ҳамма ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Тағин нима бўлди, қария? — ҳар нарсани лўнда қилиб гапиришни севган Қоратой чидамсизлик билан сўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАРИ-ҚАРТАНГ Турли ёшдаги қариялар, чоллар, кекса одамлар. *Катта сув бўйига қурилган чойхонадаги қари-қартанг ҳам.. ашула тингламоқда.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

ҚАРИҚИЗ I *бот.* Мураккабгулдошлар оиласига мансуб, зах ва соя ерларда, йўл ёқаларида ўсадиган икки йиллик бегона ўт (халқ табобатида ва чорвачиликда ишлатилади).

ҚАРИҚИЗ II *бот.* Қора тусли, бўртма йўллари бор, чўзинчоқроқ, кам этли кузги қовун. *Қовун-тарвуз растасидаги бир сотувчи.. харидорга қариқизни мақтар эди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҚАРЛУҚЛАР Ўзбек халқи таркибига кирган, тарихан уч қабиладан ташкил топган этник уюшма.

ҚАРМАМОҚ *шв.* Қамрамоқ, ўраб олмоқ. *Мард Ҳасаннинг гирдини Қармаб олаётирди.* «Равшан».

ҚАРМОҚ 1 Балиқ овлаш учун ипга боғлаб, сувга ташланадиган ўткир учли махсус илгак; учига шундай илгакли ип боғланган узун таёқ шаклидаги балиқ овлаш асбоби. *Ерни қазимасанг, олтин чиқмас, Қармоқ солмасанг, балиқ чиқмас.* Мақол. ▬ *Қодир балиқни қармоқдан чиқариб, майса устига ташлади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 *кўчма* Бирор киши ёки нарсани қўлга олиш, илинтириш учун ишлатиладиган восита, тадбир, макр ва ш.к.; тузоқ, дом. *Бировнинг қармоғига илинмоқ (тушмоқ).* ▬ *Пайғамов Нусратбекнинг боши айланиб, тили каловланаётганини сезди, қармоқ ташлаб кўрди.* С. Нуров, Нарвон. *Тўсатдан оилада совуқлик пайдо бўлиб қолди. Бунда ё хотинга бирор бошқа эркак қармоқ қўйди, ё эрга бошқа хотин қўл узатди.* Газетадан.

ҚАРО *эск. кт.* Қора. [*Мансур:*] *Пирим, афв айлангиз бахти қарони, ўарибу хастадил мотамсарони.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ҚАРОБАТ [*а.* قرابت — яқинлик, қариндошлик; тахминийлик] *эск. кт.* Яқинлик, қариндошлик. *Вазир аъзам ҳазратларига қаробатим бор.* Ойбек, Навоий. *Аммо у, хонга қаробат ҳосил қилиш учун азтаҳидил [астойдил] Анварнинг қасдига тушганки, бунда шубҳа йўқ.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚАРОВ *кам қўлл.* **1 Қарамоқ** фл. ҳар. н.

2 Назорат, текширув. *У ҳозир ҳам врачнинг қаровида.* ▬ *[Тракторларни] Ремонтдан чиқариб, техник қаровдан ўтказиб, тайёргарлик чизиғига қўйганмиз.* Газетадан. *Тиббий қаров ўтказилганда, уларнинг 63 нафарида таносил касалликлари борлиги аниқланди.* Газетадан.

ҚАРОВСИЗ Қарамай, парвариш қилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган; боқимсиз, ташландиқ. *Қаровсиз экин. Қаровсиз ер.* ▬ *У* [*Эргаш*] *ҳовли-жойнинг бу хилда қаровсиз ётишига бир кун ҳам чидаёлмас эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қаровсиз узумларга ёппасига кул тушган эди.* А. Мухтор, Чинор.

ҚАРОВСИЗЛИК Қаровсиз ҳолат, қарамай ташлаб қўйилганлик. *Маккажўхоримиз қаровсизликдан ёзнинг жазирама иссиғида қовжираб кетибди.* «Муштум». *Қаровсизликдан занг босган, сўлоғи ўйнаб ётган машиналар..* «Муштум».

ҚАРОЛ *тар.* **1** *айн.* **қул 1**.

2 Хизматкор; батрак. *Ерлари бойга ўтиб кетган камбағал деҳқонларнинг кўпчилиги шу бойнинг эшигида қарол бўлиб қолаверар эканлар.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Қандай қилиб Олахўжабой билан унинг жабр-зулмини кўрган собиқ қарол Абдурасулнинг дили бир бўлсин?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қарол, келишувга биноан, хўжаликда молларга қараш, юк ташиш, далага ўғит чиқариш, сув келтириш, ўтин тайёрлаш, қор кураш каби бир*

қатор юмушларни бажарган. «Фан ва турмуш».

ҚАРОЛЛИК Қарол хизмати, вазифаси, иши. *Қароллик унинг жонига теккан эди.* ▬ *Рўзиматнинг отаси.. Сўфичопон деган чопонфурушга қароллик ҳам қиларди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

ҚАРОР [*а.* قرار – тўхтам, ҳукм, хулоса; туб, асос; тинчлик, ором; манзилгоҳ, тураржой] **1** Бирор иш, масала ва ш. к. юзасидан қабул қилинган хулоса; амалга ошириш лозим топилган қатъий фикр; аҳд, тўхтам. *Аёлнинг истаги зўр, қарори қатъий эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *[Ҳасанали:] Мен сизни қутидорнинг қизига уйлантиришга қарор қилиб, қароримни букун кечаси Зиё шоҳичи билан амалга оширдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қарор бермоқ *кам қўлл. айн.* **қарор қилмоқ.** *Кўп ўйлаш натижасида.. Пошша ҳам ўз қарорини бериб, дарҳол ишга киришган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Мен ўз жоним учун сенинг ҳаётингни қурбон қилмасликка қарор бердим.* К. Яшин, Ҳамза. **Қарор қилмоқ** Маълум (ёки қатъий) фикрга (тўхтамга) келмоқ. *Нури фурсатни қочирмаслик учун ҳийлани ишлатишга қарор қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шароф Рашидов Мирзачўлда бўлганида, қашқадарёлик чўлқуварларни зиёрат қилиб ўтишга қарор қилди.* Газетадан. **Қарорга келмоқ** Бирор фикр, тўхтамга келмоқ, қарор қилмоқ. *У Аваздан ҳар не кутган, аммо бунчалик қарорга келар, деб ўйламаган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Расмий орган, ташкилот, мажлис, мансабдор шахс ва ш.к. нинг бирор иш, масала юзасидан бамаслаҳат қабул қилган тўхтами, ҳукми. *Транспорт бўйича қабул қилинган барча қарорлар ҳаракатдаги составлардан тўла ва яхши фойдаланишга қаратилган.* Газетадан. *..пахтага бормаган бир болани.. институтдан ҳайдашга қарор чиқаришган..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бу ҳақда гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Қарорнинг лойиҳаси ҳам бор.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Осойишта, безовта бўлмаган ҳол, осойишталик; ором. *Ёш юрак аста-секин қарорини йўқота борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳар дам куярман, ёдимга тушсанг, Бир кўрмагунча йўқдир қарорим.* Муқимий.

Қарор топмоқ 1) тинчимоқ, ором топмоқ. *Сиз каби нодир шахсни амирлик рутбаи олийси билан сарафроз қилмагунча, кўнглимиз қарор топмас.* Ойбек, Навоий; 2) ўрнашмоқ, ўрин олмоқ. *Турмушлари яхши бўлган жойларда эса қарор топиб қолаверганлар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Ҳар ким ўз даражасига кўра ҳар вақт ўтирадиган ўрнида қарор топди.* Ойбек, Навоий; 3) юзага чиқмоқ (келмоқ), амалга ошмоқ. *Санъатда миллий шакл тарихан қарор топди..* Газетадан. *Кўп ўтмай даштда ҳам янгича тартиблар қарор топа бошлади.* Газетадан. **Қарори йўқ** 1) тинчи-ҳаловати йўқ. *Қарорим йўқ борай десам..;* 2) сабр-тоқати йўқ; беқарор; 3) бир иш ёки жойда қўним билмайдиган; беқарор; 4) гап-ваъдасида тайинсиз; субутсиз, тутуриғи йўқ.

4 *кт.* Тураржой, тўхтайдиган жой. *Ҳали мунда не манзилда қароринг? Мусофир меҳмоним, қайдан бўласан?* «Равшан».

ҚАРОРБОЗЛИК Бўлар-бўлмас қарорлар чиқариш, қабул қилиш ишларига зўр бериш. *Мажлисбозлик, қарорбозлик ҳам барҳам топди.* «Муштум».

ҚАРОРГОҲ [*а.* + *ф.* قرارگاه – манзилгоҳ, ўрнашган жой, макон] **1** Вақтинча истиқомат қилиш ёки қўниш жойи. *Чўпонлар қароргоҳи.* ▬ *Шаҳрисабз узоқ ўтмишда савдо карвонларининг севимли қароргоҳи бўлганлиги тарихдан маълум.* Газетадан.

2 Умуман, яшаш жойи; маскан. *Шанба кунларининг бирида эшон қароргоҳи одатдагидек гавжум бўлди.* Ё. Шукуров, Қасос. *Зумрад ўзи ўсган маскани билан видолашаётган кимсадек, хароб қароргоҳ олдида бир нафас бош эгиб турди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 Давлат бошлиғи, ҳукумат ёки бирор давлат арбобининг доимий ёки вақтинча турадиган жойи, саройи. *Жунаидхондан чопар келиши амримаҳол, унинг ҳам тайин қароргоҳи йўқ.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Хон урушни тезроқ бошлашнинг чорасини излаб, Бобур қароргоҳида мунажжимлик қилиб юрган яширин кишисига хабар юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАРОРСИЗ *айн.* **беқарор.** *Қарорсиз одам.* ▬ *Йўл жимжит, фақат тўполончи шамол чангни тўзитиб, қарорсиз елади.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ҚАРОРСИЗЛАНМОҚ Қарорини, оромини йўқотмоқ, беқарор, бетоқат бўлмоқ.

[*Нури*] *Юрагига тиркаган кечинмалари, сирли умидлари билан қарорсизланган, маст бўлган каби, ҳовлида кезди, ошхонага кирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАРОҚЧИ *эск.* Йўлтўсар, босқинчи (одатда тўда, гуруҳ бўлиб юрадиган босқинчи, ўғрилар ҳақида). *Ривоятларга кўра, қароқчилар тўдаси шу атрофга ўрнашиб олиб, карвонларга ҳужум қиларкан.* Газетадан. *-Дод! Войдод! Қароқчилар босди!! – довон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Етти қароқчи *айн.* **Етти оғайни** *қ.* **етти. Кичик етти қароқчи** *айн.* **Кичик етти оғайни** *қ.* **етти.**

ҚАРОҚЧИЛИК 1 Қароқчи иши; босқинчилик. *Тирикчиликнинг осон йўли қароқчилик деб билган Дурди.. деҳқончилигини йиғиштириб қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *-Бу ўғриликкина эмас, қароқчилик, кундузлай халқнинг кўзи олдида йўлбосарлик, – деди Ҳайдар.* С. Айний, Қуллар.

2 *ҳуқ.* Очиқ денгизда савдо ёки фуқаро кемаларини хусусий ёки давлат кемалари томонидан ғайриқонуний равишда эгаллаш, талон-торож қилиш ёки чўктириш.

ҚАРОҒ 1 *эск.* Кўз қорачиғи: кўз. *Ёки асил инжу бўлиб кўзинг ўйнатолсам, Қаратолсам қора чўғдай қароғинг.* Миртемир. *Тўйиб боққил бу юрт ҳуснигаким Кўнглингни чоғ этгин, Ватан ҳар зарра тупроғин Кўзингга сен қароғ этгин.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Ўғли вужудида жамланган завқ-шавқ, қароғларидан ёғилаётган нозиккина туйғунлик.. бор эди.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

2 (*1-ш. эгалик шаклида* – **қароғим)** Ўзидан ёш шахсга мурожаатда яқин муносабатни билдириш учун қўлланади; нури дийдам, чироғим. *Сенга қийин.. Аммо бошқаларга ҳам осон эмас, қароғим.* О. Ёқубов, Ларза. *Тила тилагингни, қароғим, деди, Камоли эҳтиром билан Орзу.* Т. Тўла.

ҚАРР *тақл. с.* Қарға ва баъзи бошқа қушларнинг товушини билдиради. *Зерикдими, нега «қарр, қарр» Демайди қарға, қаранг.* Ғ. Ғулом.

ҚАРС 1 *тақл. с.* Нарсаларнинг бир-бирига қаттиқ урилишидан, синишидан ва ш.к. дан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *У тишида қарс этиб ёнғоқ чақди. Шиша қарс этиб ёрилиб кетди. Қарс этган милтиқ овози эшитилди.* ▬ *Мадаминхўжа дастурхон солди, нон ушатди, кейин каттакон бир гурскетдини келтириб, пичоқ тортган эди, қовун қарс этиб ёрилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *От олдинга интилди, тириша-тириша аравани кўприкка олиб чиқди. Лекин шу онда нимадир «қарс» этди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Раис ўрнидан туриб, шофёрни чақирди, кўк «Волга»га ўтириб.. эшигини қарс бекитди-да, «кетдик», деди шофёрга.* Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

2 Қарсак, чапак. *Қарс урмоқ.* ▬ *Полвоннинг рапидадек кенг кафтларидан чиққан қарс – чапак кўп кишиларнинг диққатини жалб этди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кишилар қарс уриб турадилар ва мени масхаралагандек қийқириб, оғиз-бурунларини қийшайтирадилар, лекин мен уларга парво қилмай, ўйинни давом эттираман.* А. Қодирий, Жинлар базми.

Қарс икки қўлдан чиқади *айн.* **қарсак икки қўлдан чиқади** *қ.* **қарсак.** *Баробар учинг, фақат баробар учсангизгина, муҳаббат сизга қанот. Қанот жуфт бўлади, қарс икки қўлдан чиқади.* А. Мухтор, Қарс икки қўлдан чиқади.

ҚАРСАК *айн.* **чапак.** *Қарсак чалмоқ. Қарсак урмоқ. Давомли гулдурос қарсаклар.* ▬ *Оломоннинг қарсаги остида Нарзи тоға дастурхон кўтариб, вагонга чиқиб борди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Зални гурр қарсак босди, ҳамма ўрнидан турди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

Қарсак икки қўлдан чиқади Икки томонга дахлдор иш иккала томоннинг ҳаракати билан бўлади. *Халқ қараб турмаса, мен ҳам қараб турмайман. Қарсак, албатта, икки қўлдан чиқади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Қарсак чалмоқ** (*ёки* **урмоқ)** Олқишламоқ, табрикламоқ; маъқуллаш, қойил қолиш, тан беришни чапак билан изҳор қилмоқ. *Ҳамон Ота писмиқ қўшиқ айтиб ўйнар, болалар қарсак чалиб кулишарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Йиғилганлар бир неча дақиқа, саҳнадаги нарсаларга маҳлиё бўлиб қолгандай, жимгина ўтирдилар, ногаҳон қарсак уриб юбордилар.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бу қарорни маъқуллаб мажлис, Тикка туриб қарсак чалади.* Э. Раҳим.

ҚАРСАКБОЗЛИК Ҳадеб, берилиб, давомли, такрор-такрор қарсак чалиш; чапакбозлик. *Ашула тугар-тугамас, қарсакбозлик бошланиб кетди.* ▬ *Зойиржон чап*

қўлини орқа белидан ўтказганча, ўнг қўли билан қошини чимчилаб, «Андижон полкаси»га шундай муқом қилиб ўйнадики, қарсакбозлик бўлиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚАРСАКЧИ Қарсак чалувчи одам. *Қарсакчи қизлар қарсак уриб.. неча ўйинчи барнолар қўл қоқиб, ўртага тушиб ўйнаб турибди.* «Равшан». *-Жим туринг, қўшни, — деди ҳалиги қарсакчининг ёнида ўтирган киши, — кафтингизнинг қаваргани қолиб, чапагингиз ҳайф кетади.* «Муштум».

ҚАРСИЛЛАМОҚ «Қарс» этган овоз чиқармоқ, «қарс» этмоқ. *Эшик қарсиллаб ёпилди. Дарахтнинг шохи қарсиллаб синиб тушди. Милтиқ қарсиллаб отилди.* ▬ *Йирик томчилар билан том ва бўғотларни қамчилаб, ёмғир ноғора чала бошлади, яна қарсиллаб, гулдураб чақмоқ чақди.* «Ёшлик». *Узоқ ёқда музлар қарсиллар..* А. Орипов, Йиллар армони.

ҚАРСИЛЛАТМОҚ 1 Қарсилламоқ фл. орт. н. *Эшикни қарсиллатиб ёпди.*

2 (*асосан,* **-иб** *қўшимчали рвдш. шаклида* — **қарсиллатиб)** *кўчма с.т.* Ҳаракатнинг белгисини кучайтиради. *Саидмуродов «давр келганда, суриб қол», деб бу материаллардан олганини олиб, қолганини қарсиллатиб пуллайверди.* «Муштум».

ҚАРСОҚ Тулкига ўхшаш, лекин ундан кичикроқ йиртқич ҳайвон. *Тулки, қарсоқ ини бир, Ғар, ўғрининг тили бир.* Мақол. ▬ *«Борса-келмас» оролида йиртқичлардан тулки, қарсоқ, силовсин бор.* «Фан ва турмуш».

ҚАРТ *шв.* Қари, кекса. *Шу пайт олисдан йўтал эшитилди, бир-бир босиб келаётган икки қарт киши кўринди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАРТА I Отнинг ёғли йўғон ичаги ва ундан махсус тайёрланган, кўпинча яхна қилиб ейиладиган таом. *Шойи кийдим, кимхоб кийдим, устимда йўқ, Қази билан қарта едим, қорнимда йўқ.* Мақол. ▬ *Қази, қарта, сиркаланган ва тузланган сабзавотлар эса қиш ойларида тановул қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ҚАРТА II [*р.* карта < *лот.* charta < *юн.* kartis — папирус барги, қоғоз] **1** Сурати ёки холлари билан бир-биридан фарқ қиладиган бир тўп махсус ўйин варақчалари ва унинг ҳар бир варақчаси. *36 варақли қарта. Қарта ўйини. Қартани бўлмоқ.* ▬ *Қарта чийлаб ўтирган одамни кўрсатиб: -Машҳур Йўлдош карвон шу одам бўладилар, — деди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Экскаваторчилар.. стол атрофини ўраб, папирос тутуни ичида қарта ўйнашаётган экан.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *с.т. қ.х.* Яхлит бир бўлак ер ёки экин майдони. *Мажлиснинг охири шу хилдаги ғўзалар кўпроқ бўлган Қамбарали ака бригадасининг учинчи қартасига кўчирилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳали сиз кузни гапирасиз, ҳозиргисини айтинг, уватини ўт босмаган қартамиз жуда оз.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ҚАРТАБОЗ [қарта + *ф.* باز — ўйновчи] Қарта ўйинига ишқибоз одам. *Дадангиз ўтакетган.. қартабоз бир киши эди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ҚАРТАБОЗЛИК Берилиб қарта ўйнаш, қарта ўйини. *Қартабозлик узоққа чўзилмади.* «Шарқ юлдузи».

ҚАРТАЙМОҚ *айн.* **қаримоқ 1.** *Қартайиб қолган одам.* ▬ *Қартайсангиз ҳам қуюлмайсиз.* Ҳ. Назир, Яхши исм. *Қартайганда хўр бўп қолган ўзимди(р), Сен англагин гулдай сўлган тарзимди.* «Алпомиш». *..мен ҳам биологик жон сифатида улғаяман, қартаяман ва, охир-оқибат, бир кун вафот этаман.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ҚАРТАНГ *кам қўлл.* Қартайган одам, қари киши. *Асом чол деган бир қартанг хотин-қизларга қарши ташвиқот юргизиб, бир қават терисини ташлабди.* «Муштум».

ҚАРТ-ҚУРТ *тақл. с.* Молларнинг хашак чайнашидан чиқадиган товушни билдиради. *Бу тинчликни сарой отхонасидаги отларнинг қарт-қурт хашак чайнашлари.. бузар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАРЧИҒАЙ Калта қайрилма тумшуқли, тирноқлари узун ва ўткир, овга солинадиган йиртқич қуш. *[Поччам] Ёнига тозисини ҳам қарчиғайини олиб, матрап кўтариб, уч-тўрт кун далага чиқиб кетди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚАРШИ 1 Тарафдор бўлмаган, тарафдор эмас, маъқул деб билмайдиган, зид фикрдаги. *Иккинчи уйланишга Отабек бутунлай қарши бўлиб, фақат бу қудаларнинггина ишларидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шанбаликка кўп одам келишига қаршисан..* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *..мен ҳам Кумушни Тошкент юбормоққа қаршиман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Хилоф, зиддига иш тутувчи; мухолиф ёки душман. *Қарши томонлар. Қарши кучлар.* ▬ *Устоз Қавом.. шундай муътабар зотнинг фарзанди салтанатга қарши бўлгани, нобакор чиққанига афсусланади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бошқасини инкор этадиган, унинг зидди бўлган. *Бир-бирига қарши фикрлар. Қонунга қарши хатти-ҳаракатлар.* ▬ *Бўтабой акамга қарши гапирсам ҳам майлигами?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Рўбарў жойлашган ёки йўналган; қарама-қарши, рўбарў. *Қарши оқим. Қарши шамол. Кўчанинг қарши томони. Қаршида турган одам. Қаршидаги боғ.* ▬ *Ойқиз қарши томондан келган шамол-тўполонни ёриб, ҳамон олдинга интиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ётоқхона олдига келганимизда.. бир бола қаршимиздан чиқиб қолди.* Ў. Умарбеков, Шонли авлод. *Отабек учун энг нозик саналган бу масала қаршидаги жавоб кутиб ўтиргувчиларни ниҳоят зериктирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 (*ж.к. билан* – ..**-га қарши**) *кўм. взф.* 1) зидлик (зидлаш) муносабатини билдиради; зид (хилоф) ҳолда. *Унинг овози истагига қарши баланд жарангламади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қутидор, одатига қарши, бозордан кундуз соат учларда қайтиб келди-да, Отабекни сўради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энди адолатга қарши хиёнат қилиш ярашмайди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ўзи бирикиб келган сўз англатган нарсани даф этиш, йўқ қилиш, олдини олиш ва ш.к. га қаратилганлик маъносини билдиради. *Ичкиликбозликка қарши кураш. Ҳашаротларга қарши дори сепмоқ.* ▬ *Касалнинг олдини олиш чораларидан энг муҳими вақтида тепкига қарши эмлатишдир.* «Саодат».

6 (*3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида, б.к. билан* – **қаршисида)** *кўм. взф. эск. айн.* **олдида** *қ.* **олд.** *Шунинг учун кутмаган ҳол қаршисида бир оз довдираб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Инобатхон кутилмаган бу аччиқ муомала қаршисида борлиқ-йўқлик ҳолда қолди.* «Муштум».

Бахтга қарши *қ.* **бахт. Қарши атака** *қ.* **қарши ҳужум.** *Беш марта қарши атака қилиб, ҳеч иш чиқара олмагандан кейин..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Қарши бормоқ** Қарши иш тутмоқ, қарши ҳаракат қилмоқ. *Умримда биринчи мартаба кўнгил орзусига қарши бордим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эрининг раъйига қарши боришдан фойда йўқлигини билди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қарши келмоқ** 1) зид бўлмоқ, хилоф бўлиб тушмоқ. *Уларнинг жавоблари кечаги сизнинг оқлашингизга сира қарши келмайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) дуч келмоқ, рўбарў келмоқ, юзма-юз учрашмоқ. *Улар боғдан чиқиш олдида бир йигитга қарши келдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қарши олмоқ** 1) кутиб олмоқ, қаршиламоқ (ташриф буюрувчини). *Биров тунд, биров очиқ чеҳра билан қарши олди меҳмонларни.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат; 2) бирор иш, тадбир, таклиф ва ш.к. га нисбатан ўз муносабатини билдирмоқ. *Гулнор бу хабарни жуда совуқ қарши олди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қарши турмоқ** Қарши чиқиб, монелик кўрсатмоқ, тўсқинлик қилмоқ. *Дадасининг уйланишига қарши туриш учун ҳеч қандай асос топа олмади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қарши тушмоқ** *эск. айн.* **қарши турмоқ.** *Унинг [Ҳасаналининг] бу фикрига Кумуш билан онаси қарши тушдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қарши чиқмоқ** 1) пешвоз чиқмоқ, кутиб олмоқ; 2) қаршилик билдирмоқ, қарши бўлмоқ. *Механизацияга қарши чиқишлар бўлиб турадими, бўлса – қарши чиққан одамларнинг далил ва исботлари нималардан иборат?* А. Қаҳҳор, Картина. **Қарши қуда** Ўзаро қиз бериб, қиз олишган қудалар (бир-бирига нисбатан). **Қарши қўймоқ** 1) бирини иккинчисига қарама-қарши, мухолиф, зид қилиб қўймоқ. *Ёрмат.. Йўлчини ўз қўлтиғига олиб, бошқаларга қарши қўйишни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бирини иккинчисига қаратиб, рўбарў қилиб қўймоқ. **Қарши ҳужум** Душманнинг ҳужумини даф қилиш, унга жавобан қилинадиган ҳужум. *Душман жон ҳолатда бор кучини қарши ҳужумга ташлади.* Газетадан. **Ҳар эҳтимолга қарши** *қ.* **эҳтимол.**

ҚАРШИЛАМОҚ 1 Кутиб олмоқ, қарши олмоқ (ташриф буюрувчини). *Меҳмонларни қаршилаб олмоқ.* ▬ *Бошлиқ Қиёмхонни ўрнидан туриб, жуда ҳушчақчақ қаршилади.* Н. Аминов, Суварак. *Улар ҳужрага келиб кирдилар. Отабек келувчиларни улуғлаб қаршилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Бирор маросим, тадбир, таклиф ва ш.к. ни қарши олмоқ. *Мен шу ҳовлида тўрт фаслни кузатиб, тўрт фаслни қарши*

олардим. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ҚАРШИЛАШМОҚ 1 Қаршиламоқ фл. биргн. *Ўқувчилар муаллимни тикка туриб қаршилашди.* ▬ *Бу фавқулодда севинч хабарни бекнинг қайси йўсинда қаршилашини ўйлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кам қўлл.* Қарши келмоқ, рўбарў бўлмоқ. *Салимбойвачча зинадан энди тушган чоқда Гулнор билан қаршилашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кам қўлл.* Бир-бирига қарши, тескари бўлиб қолмоқ, зидлашмоқ.

ҚАРШИЛИК 1 Қарши эканлик. *Сенинг бу ишга қаршилигингни биламан.* ▬ *Ул ҳар нарса деса, фақат Марғилондан уйланганингга қаршилигидан айтадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қарши фикр, норозилик, эътироз. *Қаршилик билдирмоқ.* ▬ *Қаршилик йўқ бу ишга, Улфат аҳли ёр.* Ғайратий. *Гавҳарнинг қаршилигига қарамай, икки марта суратга олди-ю, раҳмат айтиб, бурилиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Қарши ҳаракат, акс таъсир. *Душман қаршилигини енгмоқ. Қаршиликка дуч келмоқ.* ▬ *Фақат яхши ўйлаб тузилган манёвр билангина душман қаршилигини синдира олдик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳар қандай янгилик эскиликнинг қаршилигига учрайди, бу — қонуний.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қаршилик қилмоқ Қаршилик билдирмоқ, тўсқинлик қилмоқ, қаршилик кўрсатмоқ (*қ.* **қаршилик 2, 3**). *Ҳаёт қўлини секин тортиб олди, Ғуломжон қаршилик қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аваз қаршилик қилай деса, қўли кишанда.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚАРШИМА-ҚАРШИ *кам қўлл. айн.* **қарама-қарши.**

ҚАРҚАРА Бўйни, тумшуғи ва оёқлари узун, тик қоматли, турнага ўхшаш, оппоқ, чиройли ботқоқлик қуши; қўтонларнинг бир тури.

Қарқара бўлмоқ Барқ урмоқ. *-Бу йил хўб ишладик, — дейди Хайрихон, — Яшнади ғўзалар бўлиб қарқара.* Х. Расул. *Сув очилиши тезлашмаса, қарқара бўлиб ўсаётган ғўзалар қуриб қолиши аниқ.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚАРҚУНОҚ Чумчуқлар туркумига мансуб, тумшуғи эгилган, ҳашарот, майда парранда ва ҳайвонлар билан озиқланадиган қуш. *Сой ёқасидан ялпиз ҳиди келарди, маст бўлиб қарқуноқлар сайрарди.* А. Мухтор, Чинор. *Булбуллар, зарғалдоқлар, қарқуноқлар боғларни ташлаб қочди.* Н. Ёқубов, Жон.

ҚАРҒА 1 Патлари тим қора (қора қарға) ёки қора билан кулранг аралаш (ола қарға) кўчманчи қуш (Ўзбекистонда қиш ойларида бўлади). *Бир қарға билан қиш келмас.* Мақол. *Қарға қарғанинг кўзини чўқимас.* Мақол.

Гўнг қарға *қ.* **гўнгқарға. Кўк қарға** *қ.* **кўкқарға. Қарға жийда** *қ.* **қарғажийда.**

2 Ўйин қартасининг найза учига ўхшаш қора холли тури. *Қарғанинг саккизлиги.*

ҚАРҒАЖИЙДА Меваси майдароқ бўладиган ёввойи жийда.

ҚАРҒАМОҚ Бировга ёмонлик, бахтсизлик ёки ўлим тилаб, қарғиш сўзларини айтмоқ. *Қиз Мирзакаримбойларни, ҳокимларни, тўраларни қарғайди, уларга ўлим тилайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *«Худо кўтарсин Оқилхон билан Муродхонни, ўлимингни бергурлар!» деб қарғаб ўтирди.* «Муродхон».

ҚАРҒАНМОҚ 1 Қарғамоқ фл. ўзл. н.

2 Ўзича норозилик, қарғиш сўзларни айтмоқ. *Электрнинг тилига тушунадиган бир маст бир бўш патронга пичоқ тиқди-да, бутун чироқларни ўчирди ва то монтёр келиб тузатмагунча, хотинларнинг қарғанган, сўкинган товушлари узилмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ажралдилар. Чол-кампир қарғандилар: -Садқайи сенга берган панду ўгит!* «Муштум».

ҚАРҒАШ Қарғамоқ фл. ҳар. н.. *-Қарғашнинг ҳеч кераги йўқ, — деди Марҳамат. — Лекин бунақа талтайтириш ҳам яхшимас-да.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚАРҒАШМОҚ 1 Қарғамоқ фл. бирг. н. *Қизлар урушни.. бошлаганларни титраб қарғашарди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

2 Бир-бирини қарғамоқ.

ҚАРҒАШОЙИ Шойининг қора, сариқ, кўк гулли тури. *Бир кийимлик қарғашойи. Қарғашойи кўйлак.*

ҚАРҒИШ Қарғаш ибораси, қарғиш ифодали гап, сўз. *Ёмон қарғиш. Енгил қарғиш. Қарғиш эшитмоқ.* ▬ *Ўзлари отин бўлсалар ҳам, оғизларидан қарғиш тушмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. [*Кумуш:*] *Аммо.. севганингиз — кенжангизнинг жеркишларидан, қарғишларидан беҳад қўрқаман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қарғишга қолмоқ (*ёки* **учрамоқ)** Қилмишига яраша қарғиш эшитмоқ, лаънат остида қолмоқ. *Ботиралининг жонига қасд қилган ким бўлса ҳам, юртнинг қарғишига қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Аммо, бола, олди-кетингга қараб иш тут, халқнинг қарғишига учрайсан.* Т. Малик, Ажаб дунё.

ҚАРҒИШЛАМОҚ *шв.* Қарғамоқ. *Қиз берганни қарғишлаб.. Хон ўртанди тобора.* Ҳ. Олимжон.

ҚАСАВА [*а.* قصب – тилла ёки кумуш ип; зар уқа; кимхоб, зарбоф] **1** Узун докадан аёллар бошига баланд қилиб ўраш учун қўйиладиган картон тутқич ва унга ўралган рўмол; дакана. *Эшик олдида бизни оқ докадан баланд қилиб қасава ўраган қотма, бўйдор аёл кутиб олди.* Газетадан. *Саллага ўхшатиб, лекин кунгурадор қасава шаклида бошига ўралган қора дурра..* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

2 *шв.* Бешикнинг кўприги.

ҚАСАМ [*а.* قسم – онт, қасамёд; ваъда] **1** Ўзининг ҳақлиги, сўзининг тўғрилиги ва ш.к.ни тасдиқлаш, унга бошқаларни ишонтириш учун муқаддас нарсалар, кимсалар номини оғизга олиб айтиладиган масъулиятли сўз; онт. *Қасам(и)дан қайтмоқ. Қасам(и)ни бузмоқ.* ▬ *[Сафар:] Шу каъбатуллонинг ичида ўлтириб ёлғон гапирган одам мусурмон эмас. Кишининг қасамига ишонмаган ҳам етти мазҳабда мўмин эмас!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..ҳеч кимга айтмаслик учун оғзига келган қасамларни валдирай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Содиқлик ҳақида расмий равишда бериладиган тантанали ваъда, қасамёд. *Майли, ёмғир, қор ёғсин, ўз постимдан кетмайман. Аскарлик қасамига ҳеч хиёнат этмайман.* Уйғун. *Юсуфжон ака умрининг охиригача ўз қасамига содиқ қолди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Қасам бермоқ Расво қилмоқ, ёмон ҳолатга солмоқ. *«1-сорт» сўзига юмуқ кўз билан қараб, штампни босавериши маҳсулотга қасам беряпти.* О. Юнус, Қочинг, телефон жиринглаяпти. *Ўғлим, шу таъзир оз эмас.. Ҳовли юзига чиқаргандан кейин, қасам бериб бўшатурмиз.* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Қасам ичмоқ** Қасам сўзларини айтмоқ (**қасам** – ҳар икки маъносида). *Жонфиғон қасамнинг ҳар хилидан ичди, кейин бизнинг кафил бўлишимизни сўради.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Каломулло беринг, қасам ичаман!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қурилишни тезда тамомлашга қасам ичганмиз. Ишлар ванг!* «Муштум».

ҚАСАМЁД [*а.* + *ф.* قسم یاد کردن – «қасам сўзларини айтмоқ» бирикмасининг қисқарган шакли] **1** Қатъий ваъда, онт. *Олимжон ва Ойқиз, ғўзаларни бўрон зарбидан сақлаймиз, деб қасамёд қилган экан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Халқимизнинг бахти учун жон-таним билан курашаман, душманга раҳмсиз бўламан, деб қасамёд этдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

2 Содиқлик ҳақидаги расмий ваъда, қасам. *Кечагина Бобур мирзога содиқмиз, деб қасамёд этганлар бугун унга шунчалар ёмонлик қилмоқдасиз!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚАСАМХЎР [*а.* + *ф.* قسمخور – қасам ичувчи] Бўлар-бўлмасга қасам ичаверадиган, қасам ичиб, ундан қайтаверадиган, қасамининг бурди йўқ. *Қасамхўр одам.* ▬ *Одамлар қасамхўр бўлиб кетди. Бир кафт жўгари, бир сариқ танга илинжида қуръон кучоқлаб қасам ичадилар.* С. Сиёев, Аваз. *Кетма-кет қасам ичаётган азамат.. машҳур қасамхўр Мадраҳим Адамбоев бўлади.* «Муштум».

ҚАСАНҒИ *кам қўлл.* Бетайин, арзимас. *Бева боши билан шунчалик ўстирса-ю [қизни], у юзига тик қараса?! Тағин, келиб-келиб аллақанақа бир қасанғи йигит деб-а!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚАСД [*а.* قصد – мақсад, ният; интилиш, иштиёқ; ғараз] **1** Албатта амалга ошириш кўзда тутилган, жазм этилган қатъий ният; азм-қарор, аҳд. *Уйдан чиқишданоқ унинг* [*Отабекнинг*] *қасди бу кунни далада ўтказмоқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У Мунисхондан уни совитиш қасдида эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Қасд қилмоқ Бирор ниятда бўлмоқ, мақсадни кўзда тутмоқ. *Эртадан бошлаб бепарвороқ бўлишга қасд қилдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Агар Ғуломшер қасд қилса, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқишига ҳамма ишонар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Ҳақорат, ёмонлик учун жавоб қайтариш (ҳисоблашиш) нияти; адоват, ўч, алам. *Қасд қилмоқ. Бировга қасд қилма.* ▬ *Сен жинни бўлдингми? Ё менда бошқа бир қасдинг борми?* «Латифалар». *Менинг фа-*

шизмдан бўлак ҳеч кимда қасдим йўқ. Уйғун. *Шермуҳаммаднинг эса хотин жўнидан менда қасди бор.* К. Яшин, Ҳамза.

Жонига қасд қилмоқ (*ёки* этмоқ) Ўлдириш, йўқ қилиш учун ҳаракат қилмоқ, суиқасд қилмоқ. *Ботиралининг жонига қасд қилган ким бўлса ҳам, юртнинг қарғишига қолди.* Ҳ. Ғулом Машъал. **Жонингда қасдинг борми?** Жонингдан тўйдингми? Жондан безор бўлдингми? Ўлгинг келдими? *Жонингда қасдинг борми, бунча ароқнинг кетидан қувмасанг.* «Муштум». **Қасдига тушмоқ** Пайига тушмоқ, ўч олиш, йўқ қилиш ва ш.к. учун ҳаракат қилмоқ. *Душман тушар давлатлининг қасдига.* «Ойсулув». **Қасдида бўлмоқ** 1) бирор мақсадда, ниятда бўлмоқ; 2) ўч олиш, йўқ қилиш, ўлдириш ёки қўлга тушириш ва ш.к. ниятда бўлмоқ. *Уйингиз орқасини тешиб, Кумуш қасдида бўлувчи.. ҳам шу баттол Ҳомид экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАС(Д)ДАН [*а.* قصداً – муайян ният, мақсад билан] *рвш.* Маълум бир мақсад билан, жўрттага, атайлаб. *Аслида у турли баҳоналар билан усталарни қасдан шошилтирмаётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Гўё мен.. ундан қутулиш учун қасддан чоҳга итарган эмишман.* О. Ёқубов, Излайман.

ҚАСДДОР [*а. + ф.* قصددار – қасди, ғарази бор] Қасди бўлган, ёвуз ниятли. *Қасддор ёвларга Чегара бекик!* Туйғун.

ҚАСДЛАНМОҚ *кам қўлл.* **1** Қасд қилмоқ. *..қайнанасига гап қайтаришга қасдланди-ю, тағин охирини ўйлаб, кар-соқов бўлиб юраверди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

2 Йўқ қилиш пайига тушмоқ; суиқасд қилмоқ.

ҚАСДЛАШМОҚ Қасд, душман бўлмоқ, қаршилашмоқ, ўчакишмоқ. *Насиҳатимизни қулоғига олмади, танқидимизни ғалати тушунди, қасдлашиб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАСДМА-ҚАСД(И)ГА *рвш* Кимса билан қасдлашиб, ўчакишиб. *Қасдма-қасдга бел олишмоқ.* ▬ *Ўгай она ёлғон гапиргани учун, қасдма-қасдига шу ёнғоқдан олиб кетмоқчи бўлди.* «Ёшлик».

ҚАСИДА [*а.* قصيده – назмий асар тури] Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърий жанрлардан бири, кўпинча бирор шахснинг (одатда ҳукмдор ёки олий мартабали кишининг) мадҳига бағишланадиган, шунингдек, фалсафий, ахлоқий-дидактик, ижтимоий мазмундаги, кўтаринки, тантанавор оҳангли, ғазалга ўхшаб қофиялансада, ҳажми 20 байтдан 200 байтгача бўладиган шеърий асар. *Тўйинг бўлди қасидамга баҳона, Қасидам, тонг эмас, бўлса тўёна.* Ҳабибий. *Бу қасидам сенга, халқим, Оқ суту туз ҳурмати, Эркин ўғлингман, қабул эт, Ўзбегим, жон ўзбегим.* Э. Воҳидов, Ўзбегим.

ҚАСИДАГЎЙ [*а. + ф.* قصیده‌گوی – қасида айтувчи] **1** Қасида ёзувчи шоир, қасиданавис.

2 *кўчма салб.* Хушомагўйлик билан кўкка кўтариб мақтовчи; мадҳиягўй, маддоҳ. *Қасидагўйлиги афтидан билиниб турган шоир Абу Мансур тахт рўпарасига келиб таъзим қилди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ҚАСИДАНАВИС [*а. + ф.* قصیده‌نویس – қасида ёзувчи] *айн.* **қасидагўй 1**.

ҚАСИДАЧИ *айн.* **қасидагўй 1**.

ҚАСИР I *тақл. с.* Ёғоч ва шунга ўхшаш нарсаларнинг чатнашидан ёки синишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Шамолда бақатерак қасир этиб синиб тушди.*

ҚАСИР II [*а.* قصير – қисқа, калта; паст]: **ақли қасир** *эск. кт.* Ақли қисқа, ақли етук бўлмаган; қисқа ақл. *Башарти сиз кироманлар ул бепарҳез золимнинг мингбошилик вазифасидан.. [бекор қилишга] бел боғлаган бўлсаларингиз, биз фақирларнинг ақли қасиримизга бир андиша келадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАСИРА-ҚУСУР *айн.* **қасир-қусур.**

ҚАСИРЛАМОҚ «Қасир» этган овоз чиқармоқ, қасир этмоқ, қарсилламоқ. *Ер қимирлаганда, синч деворлар қасирлаб кетди.* ▬ *Орқада миналар гумбурлади. Қаердадир ўрмонлар қасирлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *От боради асирлаб, Отган ўқдай тасирлаб, Тилла узанги, маҳси-кавуш Тепсинганда қасирлаб.* «Равшан».

ҚАСИР-ҚУСУР «Қасир» ва шунга яқин (ўхшаш) товушларни билдиради. *Отларнинг туёғи тошларга урилиб, қасир-қусур овозлар даштни қоплаб боряпти.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Юк вагонлари қасир-қусур қилиб, у ёқдан бу ёққа ўтиб турибди.* С. Аҳмад, Таъзим.

ҚАСИРҒА *кт.* Уюрма, қуюн. *Тўфон, қасирғани зўримиз енгиб, Ваҳшат ғалаёни топди асойиш.* Ғ. Ғулом. *Тўфон, қасирғалар кечар-ку ҳали..* А. Орипов, Ҳайрат.

ҚАСМОҚ 1 Уст-бошга ўтирган қалин кир қатлами, қатирма кир. *Енглари бир эллик қасмоқ. Қасмоқ сочиқ.* ▬ *Шунча юриб, нима орттирдинг? Мана шу жулдур чопон билан қасмоқ дўппинимими?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *..ёрғоқ бошига ёғ босган қасмоқ дўппини бостириб кийиб юрадиган бу одам..* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

2 *айн.* **қазғоқ 1.** *Болалигимда Оппон деган бир ўртоғим бўларди. Сира бошидан қасмоқ аримасди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бошлари қасмоқ боғлаган, оёқ яланг болалар.. сопол косаларда қаймоқ олиб ўтадилар.* Ғ. Расул, Адолат.

3 Бирор нарсанинг қотиб қолган устки қатлами; қатқалоқ. *Шўри қалин қасмоқ бўлиб ётган бу ер ўтган йили баҳорда инсон қадами тегмагандай эди.* Й. Шамшаров, Ойдин кўллар.

ҚАСМОҚЛАМОҚ Қалин кир билан қопланмоқ, қасмоқ боғламоқ. *Қасмоқлаган лунги.*

ҚАСОС [*а.* قصاص – ўч олиш; ўч, интиқом; жазо(лаш)] Ёмон, номақбул иш, қилмиш учун жавоб қайтариш мақсади, шунга қаратилган ният; шу мақсаддаги иш, ҳаракатнинг ўзи; ўч. *У қасос ўтида ёнаётган кишиларни базўр тўхтатиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Йўқ, мен таъна қилмайман. Кўрсин, куйиб ўлсин. Шунинг ўзи қасос бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Қасос олмоқ Қасос тарзидаги иш, ҳаракатни амалга оширмоқ. *Шунча кўргиликлари учун эридан қасос олишга аҳд қилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёвларимдан қасос олдим. Уйга ғалаба билан қайтиб келдим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Зумрад, сенинг ҳар томчи ёшинг учун Ширмонхонга ўхшаганлардан қасос оламан.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҚАСОСКОР [*а.* + *ф.* قصاصكار – қасос, ўч олувчи] Қасос олиш ниятида бўлган, қасос олувчи. *Бобурнинг икки юзу қирқ кишиси ёнига беш-олти минг кишилик қасоскор оломон қўшилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Халқ қасоскорлари сув остидан бориб, кўприк тагига портловчи модда кўмдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚАСОСЛИ Ҳар ким қилмишига яраша жазо тортадиган, қасос, қаримта қайтарадиган; қаримтали.

Қасосли дунё Қасос, қаримта қайтадиган дунё. *Сабр қил, ўғлим. Бу қасосли дунё қайтади.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ҚАСОСЧИ *айн.* **қасоскор.** *Халқ қасосчиларининг муқаддас бурчи шу! Босқинчилар юртимиздан чиқиб кетмагунча, биз ундан ўч оламиз!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚАСР [*а.* قصر – сарой, кошона, арк; қўрғон] **1** Подшолар, хонлар ёки мулкдорларнинг ҳашаматли саройи. *Хўжа Абдулла ўнгда, Мазидбек чапда юриб, Бобурни арк тўридаги қишлик қасрга бошлаб келдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Регистон майдони подшо қасрининг олдидаги майдонга эмас, ифлосликлар билан тўлдирилган қишлоқ бозорлари майдонига ўхшарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *кўчма* Ҳар қандай муҳташам бино, данғиллама уй, тоқ-равоқ, кошона. *Тўрт томони гумбазли қасрлар билан ўралган қалъанинг темир дарвозаси ланг очилиб.. Исфара чиқиб келди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *..баландликдаги сарой ичидаги қасрларда ҳокимлар базм қуриб, ҳозир сархуш ухлаб ётишибди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАССОБ [*а.* قصاب – қўй-мол сўювчи] Мол сўювчи ва гўшт билан савдо қилувчи шахс. *Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин.* Мақол. *Эчкига – жон қайғуси, қассобга – ёғ қайғуси.* Мақол. ▬ *Ҳовли четида қўл-оёқлари боғлоғлиқ қўй тепасида турган қассоб Меъморга қараб: -Фотиҳа беринг, – деди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚАССОБЛИК 1 Қассоб иши, касби. *Қассоблик қилмоқ.*

2 Бозорда қассоб дўконлари жойлашган раста, гўшт растаси.

ҚАССОБЧИЛИК Қассоб касби, қассоблик. [*Жонфиғоннинг*] *Шундан кейин қилмаган иши қолмабди деса бўлади: гулфурушлик дейсизми, том шувоқ дейсизми, қассобчилик дейсизми.. бир-икки ҳафта бозорда қовун тилиб ҳам сотибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

ҚАСҚОН 1 Ғалвир, элак, чирманда ва ш.к. буюмларнинг гардиши, чамбарак. *Чирманданинг қасқони, Банди борми осгани. Ўйнасанг ўйнаб олгин, Ёринг борми тўсгани?* М. Алавия.

2 Манти, хоним кабилар териладиган махсус патнислари бўлган, шундай таомлар пишириладиган ошхона асбоб-буюми.

Юзта манти элтадиган қасқон. ▬ *Нигор ойим ошхонада мантиларни қасқонга териб, қозонга уяр, Раъно бўлса, кичкина укалари орасида ўтирар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қасқонга димланиб, устига сариёғ суртилган ошқовоқ жуда хуштаъм бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ҚАТ I **1** Қават-қават ёки қатлам-қатлам нарсаларнинг ҳар бир қавати, қатлами. *Тўрт қат букланган кўрпача.* ▬ *Азмиддин бир варақ қоғоздаги бир неча қат букланган хатни олиб, чироқ шуъласига тутиб, кўздан кечирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Имонимни асрайман десанг, бу ерлардан бош олиб кетиш керак. Бўлмаса, етти қат ер тагида ёниб турган дўзахда қовуриласан.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тахланган, букланган нарсаларнинг ораси. *Кўрпанинг қати.* ▬ *Ҳожимат белбоғининг қатидан қоғоз чиқазиб ташлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Меҳри опа биринчи конвертни очди.. Иккинчисини очди-ю, хатнинг қатидаги расмга кўзи тушиши билан тўхтаб, унга тикилиб қолди.* Р. Файзий, Она.

3 Маълум қалинликдаги ёйиқ нарсалар қатлами, қават. *Бир бечоранинг чеккан хўрлигини ўйлаб, ҳар куни бир қат этдан тушаман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мана, мен геолог, неча йилдирки, Тинмай ўрганаман тупроқ қатини.* Зулфия.

4 *кам қўлл.* Саҳифа, варақ. *Варақланар етимликнинг дафтарин қати.* Ғ. Ғулом.

5 *кам қўлл. айн.* **қатор 1.** *Ойна опа ички бир титроқ товуш билан инграnди. Қаншарида икки қат ажин бўртди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

6 Марта, карра, қатла. *Бироқ унинг ташвиши икки қат ошди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Айниқса, кейинги пайтларда иш чалкашиб, ўн қат оғирлашиб кетди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Нега, кўнглим, бўлдинг бетоқат? Тинчман, дедим сенга неча қат.* Миртемир.

ҚАТ II *шв. сўр. олм.* Қаер?, қайси ер?, қайси жой? [*Шербек:*] *Узоқлиги қатга борарди? Кўпи билан тўрт-беш кунлик йўл.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАТ III *эск.* Устига қамиш қалам учини қўйиб туриб, пичоқ билан кесиш учун суякдан ясалган тахтача.

ҚАТ IV [*а.* قطع – кесиш, қирқиш; узиш, узилиш]**: қат этмоқ** *с. т. айн.* **қатъ этмоқ** *қ.* **қат(ъ).**

ҚАТАЛОҚ *шв.* Ўқалоқ. *Қоя ёнбағрига ёйилиб кетадиган эчкиларни қария ит азобида қайтариб тушар, қаталоқ пайтида эса ҳаллослаганча, тили бўғзига тиқилиб, адойи тамом бўларди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Ундан кейин тонг отгунча тилла камарли.. беклар қоровул бўлиб, қаталоқ бўлган ҳўкиздай чопиб ётар эди.* «Юсуф ва Аҳмад».

Қаталоғи тутмоқ Ўқалоғи тутмоқ; ўқалоқламоқ. *Қаталоғи тутган мол борки, қишлоқ кўриниб турган сойлик томон ўзини урар ва подачиларнинг ирғай таёғига дучор бўларди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ҚАТАҒОН 1 *эск.* Тақиқ, ман. *Жума кунлари кечгача кўчада юришга рухсат этилар, бошқа вақтларда кўчага чиқиш «қатағон ясоқ» эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Қадимги халқлар орасида кенг тарқалган табу – қатағон одати бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топган.* «Фан ва турмуш».

Қатағон қилмоқ (*ёки* **этмоқ)** 1) бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ. *Вақтли ҳукумат илгариги оз-моз берилган эркинликни ҳам қатағон қилди.* К. Яшин, Ҳамза; 2) қувғун қилмоқ. *Анварнинг ватандан қатағон этилиши!* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 *тар. қ.* **репрессия**. *30-йиллардаги қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар.*

ҚАТИМ 1 Иш тикишда: тикиш асбоби – игна, сўзан ва ш.к. га бир марта ўтказиладиган ёки ўтказилган ўлчамдаги (ип, ипак ва ш.к. ҳақида). *Қудажон, бемалол бўлса, ўша ҳаворанг ипакдан бир қатим беринг.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *..чўнтагига солиб олган ипакларни чиқариб, калта-култа қатимлардан бошқасини қайтариб олди.* Ойдин, Ҳикоялар. *Ип қатимини узиб, игнани кўкрак чўнтаги қопқоғига тўғнади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Тикишда: игна ёки сўзандаги ип ёки ипакни ҳар бир ўтказиш. *Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли ёпишқоқ ипни ҳар бир қатимда бармоқлари билан «қир-қир» тортиб қўяди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мунча ҳам бежирим қўл ҳунарингиз.. Ҳар*

қатим, ҳар чокда катта маҳорат. Ғайратий.

Қатим тортмоқ Қатимламоқ (*қ.* **қатим 2**). *Онахон бўлса жинчироқда туни билан ўтириб дўппи тикар, энди олти ёшга кирган Башоратни зўр бериб қатим тортишга ўргатар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *У шартта-шартта қатим тортиб.. маҳси тикиб ўтирарди.* Ойбек, Болалик.

3 Тикиш асбобига ўтказиладиган ип, ипак. *Қўпол ип узилади, майин ип чўзилади. Нозик қатим игнадан силлиқ ўтади, оғайни.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ҚАТИМЛАМОҚ 1 Ип, ипак ва ш.к. ни қатим-қатим қилмоқ. *Онам хурсанд бўлиб гапирди.. ипакни қатимлаб.* Ойбек, Болалик.

2 Қатим тортмоқ.

ҚАТИРМА 1 Оширилмаган хамирдан қозонда ёғсиз пиширилган юпқа нон. *Отасига деб, хурмачага солинган ошнинг устига битта қатирмани ёпиб, рўмолчага тугди-да, чиқиб кетди.* Ойдин, Гулсанам.

2 Кийим ёқаси, елкаси, кўкраги текис турсин учун авра билан астар орасига қўйиладиган крахмалланган мато. *Кўкрагига қатирма қўйиб тикилган костюм.*

3 *кўчма с. т.* Қалин кир, қасмоқ. *Умрида ҳаммом ва совун кўрмагандан бўлса керак, икки юзи қатирма бўлиб кетган, қўй кўзли бола келиб, рўпарамда тўхтади.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ҚАТИРМАЛАНМОҚ Қатирма кир бўлмоқ, қасмоқ босмоқ, қасмоқланмоқ. *Мўйсафид сартарош уни бақувват шалоқ курсига ўтқазиб, кирдан қатирмаланиб ялтираган лунгини бўйнига илиб, бошини ишқалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАТИРМОЧ *шв.* **1** Кир, ифлос. *Кўйлагининг ёқаси қатирмоч бўлиб кетибди.*

2 Товада пишган нон; қатирма.

ҚАТИҚ Сутдан томизғи солиб ивитиб тайёрланган парҳез маҳсулот. *Янги ивитилган қатиқ. Қатиқ тўкилса, юқи қолар, айрон тўкилса, неси қолар.* Мақол. *Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади.* Мақол. ▬ *Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади.* А. Қаҳҳор, Анор.

Миянинг қатиғи *с. т.* Мия. *Шер яна Шерзоднинг устига ташланишга ўзини чоғлаб кўрди, лекин миясининг қатиғи чиқиб ҳолсизлангани учун мажоли келмади.* «Эртаклар». **Мошхўрдага қатиқ бўлмоқ** Орага тушмоқ; аралашмоқ, суқилмоқ. *Мошхўрдага қатиқ бўлиб, Очилни аранг суяб қолдим-у, совхознинг бир бўлимига агроном қилиб қўйдим..* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. **Офтобда** (*ёки* **офтобшувоқда**) **қатиқ ичишган** (*ёки* **ялашган**) Доим бирга бўлган; ҳамтовоқ, улфат. *Сиз қаерда бўлсангиз, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Офтобда шерикчиликка қатиқ ичган одамлар охиригача бирга бўлиши керак.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. *Директор Салимов билан офтобшувоқда қатиқ ялашганмиз. Наҳотки, игна ўз тешигини тикса.* «Муштум».

ҚАТИҚЛАМОҚ 1 Қатиқ қўшмоқ, қатиқ аралаштирмоқ. *Жаҳон биби ярим-ярим қилиб уч коса мастава келтирди. Уни қатиқлаб, кашничу райҳон сепган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Қатиқ суртмоқ, қатиқ билан ҳўлламоқ. [*Кумуш*] *Сочини қатиқлаб, совунлаб ювгач.. иккита қилиб ўрдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАТИҚЛИ Қатиқ қўшилган; қатиқ солинган, қатиғи бор. *Қатиқли хурмача.* ▬ [*Меҳмонлар*] *Олдиларига қўйилган бир косадан қатиқли гўжани ёғоч қошиқ билан ича бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАТИҚСИЗ Қатиқ қўшилмаган, солинмаган, қатиғи йўқ, беқатиқ. *Қуюқ ёки суюқ, ёғли ёки ёвғон, қатиқли ёки қатиқсиз, ишқилиб, ҳар қайси оила ўз топган-тутганини дастурхонга қўйиб баҳам кўрадиган муқаддас пайт.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАТИҚФУРУШ *айн.* **қатиқчи.**

ҚАТИҚЧИ Қатиқ билан савдо қилувчи, қатиқ сотувчи. *Ёдгор кўзларини ярим юмганча.. узоқ ётди. Йўлакдан қатиқчи боланинг овози келди: Иссиқ нон.. ёғли қатиқ..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚАТЛ [*а.* قتل – ўлдириш, қатл қилиш; қотиллик] *кт.* Буйруқ билан расмий тарзда ўлдириш, ўлдирилиш. *Бечора ўғлининг қатлидан кейин девона бўлиб қолибди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Райимбек додхоҳ Азизбек ҳокимиятининг тираги эди. Унинг қатлидан сўнг сипоҳлардан руҳ тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қатл қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Шундай ўлдиришни (ўлимни) бажармоқ, амалга оширмоқ. *Ўғлимни қатл қилишдан олиб қолишни*

сўраган эдим. Мирмуҳсин, Меъмор. *Мўмин мирзосини қатл этди жаллод, Тўлиқ мақсадга Мажididдин етиб шод.* Ҳабибий. **Қатли бедод** Омонсиз ўлдириш. *Сен ҳамон раҳм айламас бўлсанг менинг аҳволима, Қатли бедодингдин энди қилуқол айлаб кетай.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Қатли нафс** Ўз-ўзини ўлдириш. **Қатли ом** Ёппасига ўлдириш, қириш; қирғин. *Улуғбек мирзо тузган сиёсату салтанат вайрон бўлади, содиқ кишилар, уламою фузало қатли ом этилар экан-да!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қатли ом дегани етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одамларнинг қиличдан ўтказилишидир.* «Шарқ юлдузи».

ҚАТЛА *кам қўлл.* Марта, карра. *Дутов Оренбургни иккинчи қатла босиб олиб, Туркистонни Россия билан боғловчи темир йўлни яна кесди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *[Роҳила:] Шукур, худога минг қатла шукур, кўзим очиқлигида қизгинамнинг тўйини кўрадиган бўлдим.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ҚАТЛАМ 1 Маълум қалинликдаги ёки қат-қат ёйиқ нарсалар қавати; қат. *Шағал қатлами. Атмосферанинг юқори қатлами. Тупроқнинг устки қатлами.* ▬ *Даранинг икки ёни жуда тик; неча терак бўйи баланд тош қатлами девордай юксалиб, худди зангори кўлдай жимирлаган осмонни кўтариб турганга ўхшарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Таркиби асосан бир хил бўлган жинсларнинг ёйиқ қавати. *Оҳақ қатлами. Тошкўмир қатлами.* ▬ *Маргимушни биласиз, учувчи унсур, у олтинли қатламлар тепасида нурдай таралиб, ҳовурдай жимирлаб ётади.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Қалин қор қатлами ҳамма нарсани, шу жумладан, полиция фаолиятини ҳам тўхтатиб қўйди.* Газетадан.

3 *кўчма* Кишиларнинг айрим белгилар билан бирлашган гуруҳи; табақа.

4 *кўчма* Ҳар қандай нарсанинг айрим белгиларига кўра бирлашган гуруҳи. *Тилнинг луғавий қатламлари.*

5 *кам қўлл. айн.* **қават.** *Бир неча қатлам қилиб ўралган чит рўмолни бўйнига ташлаб олган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҚАТЛАМА Оддий хамирдан юпқа ёйиб, ёғда пишириладиган таом (бошқа шу каби пишириқлардан қатламлилиги билан ажралиб туради). *Патнисларда, тоғораларда, саватларда кулча, қовурма чучвара, варақи, қатлама ва бошқа ҳар нав мева-чевалар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАТЛАМЛАМОҚ 1 Қатлам-қатлам қилиб тахламоқ, термоқ. *Олма яшикка қатламлаб жойланди.*

2 Алоҳида қатламга ёки айрим қатламларга айирмоқ.

ҚАТЛАМЛИ Бир ёки бир неча қатламдан иборат бўлган; қатлам-қатлам. *Қатламли булутлар.*

ҚАТЛАМОҚ Юпқа нарсаларни буклаб ёки устма-уст қилиб қаватламоқ, букламоқ, тахламоқ. *Қоғозни иккига қатламоқ. Кўрпачани тўрт қатлаб солмоқ. Фанерларни қатламоқ.*

ҚАТЛАМ-ҚАТЛАМ 1 Бир неча қатламдан иборат бўлган; устма-уст ёки ёнма-ён жойлашган, терилган. *Қатлам-қатлам тоғ жинслари. Қатлам-қатлам булутлар.* ▬ *Пастда кичкина тоғ ирмоғи қатлам-қатлам бўлиб ётган зинасимон тошларда сакраб ўйнайди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

2 Ажин босиб бурушган, бурушиқ [*Қудратиллахўжа*] *Қотма, серсуяк бўлса ҳам, қатлам-қатлам пешонаси ва, айниқса, бурни жуда гўштдор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚАТЛАНМОҚ 1 Қатламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Қат-қатгина қатламалар Қатланади, ёр-ёр. Қизни олиб янгалари Отланади, ёр-ёр.* «Қўшиқлар».

2 Тиришмоқ, бурушмоқ. *Уфққача борар дашт, Баъзиларнинг кўнгли ғаш, Тушди қўлтиқдан тарвуз, Қатланди ғунчадек юз.* Ё. Мирзо.

ҚАТЛГОҲ [*а.* + *ф.* قتلگاه – қатл (қилиш) жойи, майдони] Қатл этиладиган жой. *Ҳамма қалъа тагига бораверди, бозордагилар, кўча-кўйдагилар ҳам қатлгоҳга равона бўлдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚАТМА-ҚАТ 1 Қават-қават, қат-қат ёки бирин-кетин жойлашган. *Душманнинг қатма-қат мудофаа линияларига бўлган умидлари пучга чиқди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

2 *кўчма* Тахланиб, йиғилиб ётган, жуда кўп. *Бугун бутун олам шундай кўҳликки, Қарайман, юракда севинч қатма-қат.* Ж. Жабборов. *Сидиқжон.. бу жойларни ҳазин бир қўшиқни хиргойи қилиб кезар экан, назарида, кўп замондан бери кўкрагида қатма-қат бўлиб ётган дард-ҳасрати шу қўшиқ билан

чиқиб кетаётгандай бўлар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАТНАМОҚ 1 Мунтазам равишда, белгили пайтларда бориб келмоқ, юриб турмоқ. *Фарғонага самолёт ҳар куни уч марта қатнайди. Автобуслар кечгача қатнайди.*

2 Умуман, бирор жойга кўп ёки маълум марта бориб келмоқ. *Шаҳарга ёзи билан қатнадим. Қатнаб оёқдан қолдим.* ▬ *Полвон ҳам қумларни яхши билади, саратоннинг жазирама иссиғида қанча-қанча марта ўтинга қатнаган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шахсий уй-жой қурувчилар йиллар давомида район ижроия комитетларига қатнайвериб, оёқларида оёқ қолмади.* «Муштум».

3 Ўқиш, машғулот ва ш.к. га мунтазам бориб-келиб турмоқ. *Ўқишга қатнамоқ. Тўгаракка қатнамоқ. Боғчага қатнамоқ. Қатнаб ўқимоқ.* ▬ *Кечагина мактабга қатнаб юрган бола бугун онанинг кўзига шер йигит бўлиб кўринди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Келин докторга қатнаяпти. Эсон-омон қутулсин.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚАТНАШМОҚ 1 Қатнамоқ фл. бирг. н. *Улар йил бўйи шаҳарга қатнашади.*

2 Бирор иш-ҳаракатда иштирок этмоқ, фаолият кўрсатмоқ. *Мажлисда қатнашмоқ. Пахта теримида қатнашмоқ. Сайловларда қатнашмоқ. Спектаклда қатнашмоқ.* ▬ *Мана шу «Ажаб қишлоқ»нинг ўзидан урушга бир юз ўттиздан ортиқ оталаримиз, акаларимиз қатнашган.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 Аралашмоқ, қотишмоқ. *Мулла Абдусалом ва унинг ошдошлари.. мулла Туробнинг кавуш жанжалига қатнашмаган эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚАТНАШУВЧИ 1 Қатнашмоқ фл. сфдш. *Танловда қатнашувчи талабалар.*

2 *айн.* **қатнашчи.** *Мажлис қизиб кетди. Қатнашувчиларнинг кўпчилиги озми-кўпми, яхшими-ёмонми, ишқилиб гапирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАТНАШЧИ Иштирок этувчи шахс; иштирокчи. *Кенгаш қатнашчиси. Уруш қатнашчиси. Конференция қатнашчилари.* ▬ *Декада қатнашчилари қаторида, ҳурматли меҳмонлар сифатида, Юсуфжон ака ҳам бор эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚАТНОВ 1 Қатнамоқ фл. ҳар. н. *Шундан бошлаб Ойсулувнинг ҳар куни кунботарда Кўзёшибулоқ томонга қатнови бошланди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Транспорт воситаларининг мунтазам бориб-келиб туриши, юриши; умуман, транспорт ва йўловчилар ҳаракати, кўча ҳаракати. *Автомобиллар қатнови. Қатнов йўли.* ▬ *Шаҳарда қатнов тўхтади, дўконлар ёпилди.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. *Боку осмони тинч. Каспий денгизида пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўпайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Аста тонг ёришиб келар, ҳали кўчаларда қатнов бошланмаган.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ҚАТОР [*а.* قطار – туя қарвони; поезд] **1** Нарса ёки кишиларнинг бир йўл (чизиқ)да жойлашган ҳолати; шундай жойлашган тизими. *Қатор уйлар. Қатор тераклар.* ▬ *Нонвойлик растасига келсалар, қатор дўконларнинг ҳаммаси ёпиқ.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Андижон деган катта юрт, Тевараги қатор тут.* «Қўшиқлар». *Тутларнинг қатор ораларига ишлов берилмоқда.* Газетадан. *Саодатхон олдинги қаторда ўтирган Лолахонга қаради.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 *айн.* **саф 1.** *Қаторда катта-катта одимлар отиб бораётган Элмурод шикоятланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Душман қайта-қайта атакага ўтиб, қаторларимизни ёриб ўтишга ҳаракат қилмоқда.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Рота бир қатор бўлиб, сўқмоқдан.. кетмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Бирор ижтимоий гуруҳ, ташкилот ва ш.к. га мансуб кишилар мажмуи; саф. *Илғорлар қатори кенгаймоқда. Қатордан қолгунча хатардан қол.* Мақол. ▬ *Бу йигитни Чилимаҳрам тоғи этагида аскарий машқ ўтказаётган навкарлар қаторига қўшинг.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шериклари қаторига қўшиб, уни ўқитамиз.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

4 Бир қанча, бир талай, анча кўп. *Аҳоли орасида жисмоний тарбияни ривожлантириш соҳасида қатор ишлар амалга оширилди.* Газетадан. *Романдаги қатор образларнинг замирида конкрет тарихий шахслар ётади.* Газетадан.

5 *мат.* Маълум тартибда жойлашган катталиклар сираси. *Бутун сонлар қатори. Фурье қаторлари. Қаторлар назарияси.*

6 *ким.* Ўзаро маълум муносабатда боғланган кимёвий бирикмалар гуруҳи.

7 (*3-ш. эгалик шаклида* — **қатори)** *кўм. взф.* Ўхшатиш, қиёс муносабатини («каби», «тенги» каби маъноларни) билдиради. *Мана энди, у одамлар қатори эрталаб ишга бориб, кечки пайт, эл-юрт қатори, уйга қайтади.* Т. Ашуров, Оқ от. *..кечаю кундуз ўшанинг жувозида, яйловида ишлашади. Биз ҳам шулар қаторимиз-ку!? Нимамиз ортиқ?!* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб, ўзимни оқламоқчи эмасман. Шулар қатори мен ҳам гуноҳкорман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 (*3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида* — **қаторида**) *айн.* **қатор 7.** *Агар менга ҳурмат лозим бўлса, муболаға билан эмас, яна такрор айтаман, бир қариндошингиз қаторида такаллуфсиз муомала қилиш билан бўлсин!.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шу қаторида бадиий адабиёт ва санъат ҳам бир қадар эътибор топади.* «Фан ва турмуш». *Юсуфбек ҳожи бекнинг уйланишини ҳам оддий гаплар қаторида эшитиб ўткарди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАТОРАСИГА *рвш.* **1** Бирин-кетин, бирваракайига, бирйўла, бир ҳаракат билан. *Уч самоварга қаторасига сув солиб, кўмир ташлаб қўйди.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Қамчи, охирги марта қаторасига ўқ отилган жойни тахминан мўлжалга олган бўлса ҳам, тўқайга кирганда, мўлжалдан адашди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Бир қатор қилиб, ёнма-ён, қатор. *Ҳовлининг уч томони бир уй, бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гилосзор боғча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Деҳқонлар дарё бўйидаги қаторасига кетган катта-кичик бешта ҳавзага ўрнашган бўлиб, бу ҳавзаларнинг ҳар бири бир маҳалла, ҳаммаси Капсанчилар қишлоғи деб аталар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАТОРЛАМОҚ Қатор қилмоқ, қатор қилиб тизмоқ, жойлаштирмоқ, термоқ. *Стулларни қаторлаб қўймоқ. Қаторлаб экмоқ. Қаторлаб экадиган сеялка.*

ҚАТОРЛАШМОҚ 1 Қатор бўлмоқ, қатор бўлиб тизилмоқ, жойлашмоқ. *Симда қалдирғочлар қаторлашиб ўтирибди. Машиналар қаторлашиб ўтмоқда.* ▬ *Фермада сут тўла бидонлар қаторлашиб турибди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Қаторлашиб ётган кексалар ва гўдакларнинг юзида неча кунлик азоб ва уқубат.. ғамнинг доғи кўриниб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кўп бўлмоқ, кўплигидан тиқилиб, қалашиб ётмоқ. *Нуротанинг тарвузи қаторлашиб, зумраддай ўижднувон узумлари, серсув тукли шафтолилари тахланиб ётардилар.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

ҚАТОРЛАШТИРМОҚ Қаторлашмоқ фл. орт. н. *Саволларни қаторлаштириб ташламоқ.* ▬ *У болаларни орқама-орқа тўрт сирадан қаторлаштириб, ҳар хил машқлар қилдирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАТОРМА-ҚАТОР *рвш.* **1** Қатор қилиб, қаторлаштириб. *Қаторма-қатор қилиб солинган бинолар.*

2 Қаторлар бўйлаб, қатордан қаторга ўтиб. *Чипталарни қаторма-қатор текширмоқ.*

ҚАТОР-ҚАТОР Бир неча қатордан иборат бўлган; ёнма-ён, кетма-кет қаторлар. *Қатор-қатор турналар. Қатор-қатор машиналар. Қатор-қатор стуллар.* ▬ *Элмурод.. худди чўғдай ёниб турган қатор-қатор сўзларни ўқиди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қатор-қатор ўтқазилган ёш ва нимжон ниҳоллар эндигина япроқ чиқарган эдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚАТРА [*а.* قطره — томчи, зарра; томизғи (дори)] **1** Суюқликнинг зарралари тортишуви натижасида шарча шаклини олган алоҳида кичик бўлаги; томчи. *Бир қатра сув. Қатра қолдирмай ичмоқ. Оз-оздан ўрганиб, доно бўлур, Қатрадан кўпайиб, дарё бўлур.* Мақол. ▬ *У оҳу кўзлар.. Анбар ҳидли қатралар тўкди, Юзда қолиб биллурин излар, Чаманларга олмослар чўкди.* М. Шайхзода. *Хирург стакандан чой ҳўплар, унинг пешонасида майда тер қатралари йилтирар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *кўчма* Оз миқдор, озгина, жиндай. *Қатра ҳам уни йўқ экан, олдимга ярим стакан қатиқ қўйди.* О. Ҳусанов, Чўлда. *Эй дунёйи бевафо!.. Қаҳрингдан ҳамманинг бағри қон, кўнгли паришон. Шу йигитдан бир қатра бахтни олдингми*? Ойбек, Танланган асарлар. *Унда нуқул салобат билан қаҳрамонлик қайнайди-ю, назокатдан қатра йўқ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚАТРОН I [*а.* قطران – суюқ смола; қорамой, чирк; гудрон]: **қатрон қилмоқ** 1) обдан ювиб, қиздириб ёки куйдириб тозаламоқ. *Қозонни қатрон қилмоқ.* ▬ *Тўй ҳам тугади. Олти овсин уч кун идиш-товоқларни қатрон қилишди.* С. Аҳмад, Келинлар қўзғолони; 2) обдан тозаламоқ. *Нозимахон каталакдек ҳужрада яшаганда ҳам, ҳамма ёқни қатрон қилиб ётарди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Биз соч оладиган бўлсак, устара билан теп-текис қатрон қилиб оламиз.* Т. Мурод, Қўшиқ; 3) дезинфекция қилмоқ. *Шунинг учун Тождор инни тозалаб бўлиб, шамоллатди. Остига газандаўт тўшаб қатрон қилгач, уларни ҳам чиқариб ташлади.* С. Нуров, Нарвон.

ҚАТРОН II Ёғоч, торф, тошкўмир ва ш.к. дан ҳавосиз қиздириб олинадиган қора қуюқ модда. *Тошкўмир қатрони.* ▬ *Завод битгандан кейин мамлакатингиз бензин, керосин, эфир, қорамой, қатрон.. – ҳаммаси бўлиб 250 хил қимматбаҳо маҳсулотга эга бўлади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚАТРОНЛАМОҚ Қатрон қилмоқ, обдан ювиб, қиздириб ёки куйдириб тозаламоқ. *Қозонни қатронламоқ.*

ҚАТТИҚ **1** *физ.* Одатдаги шароитда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган. *Қаттиқ жисм. Қаттиқ модда. Қаттиқ ва суюқ ёқилғилар.*

2 Умуман, шакл ўзгаришларига, ташқи таъсирга яхши қаршилик кўрсатадиган; синдириш, ушатиш, кесиш қийин бўлган. *Қаттиқ ёғоч.* ▬ *Бу ёқнинг тоши у ерники сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, ғўраша эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шу тош қурутни талашасизлар. Мана, кўрдингларми, қаттиқ – тишларингни ушатади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энг нозик ниҳоллар ҳам тошдай қаттиқ ерни, қоялардаги ёриқларни ёриб, ўсиб чиқади.* Газетадан.

3 Баданга, қўлга ботадиган; салга эзилмайдиган, босилмайдиган. *Қаттиқ ўрин. Қаттиқ хамир.* ▬ *У [Тўлаган ака] тикандай қаттиқ соқолини Сидиқжоннинг юзига ишқаб.. пичирлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Маҳкам, мустаҳкам, пишиқ. *Белбоғни қаттиқ боғламоқ.* ▬ *Холиқов ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқди ва қаттиқ қўл қисиб кўришиб, креслога таклиф қилди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Энди гап шу: оёқни қаттиқ тиранг.. насияни тезроқ ундиринг.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Белги даражаси юқори (ортиқ) бўлган; кучли, зўр, жуда. *Қаттиқ товуш. Қаттиқ оғриқ. Қаттиқ изтироб. Қаттиқ шамол. Қаттиқ совуқ. Қаттиқ зарба. Қаттиқ ҳурматламоқ. Қаттиқ азоб чекмоқ. Қаттиқ чарчамоқ.* ▬ *Гулнор Йўлчини қаттиқ севади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Неъмат Ҳайдарович, хотиним қаттиқ касал..* Н. Қобил, Беморлар. *Касалнинг қаттиқ илтимоси ва талабига кўра, кабинетдаги телефонни каравот ёнига ўрнатдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўзбек ойим ўғлининг бунчалик қатъий кетишини кутмаган эди ва бу йўсин қаттиқ муомалани-да Отабекдан биринчи мартаба кўрар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу овозни ким эшитарди, қаттиқроқ чақирсанг-чи!* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. *Кечки пайт ёға бошлаган ёмғир ярим кечага борганда чақмоқ, момақалдироқ аралаш қаттиқ қуйди.* С. Зуннунова, Гулхан.

6 Қийинчилик, машаққат билан бўладиган, куч, меҳнат, машаққат талаб этадиган; оғир, қийин, машаққатли. *Қаттиқ меҳнат.* ▬ *Бу уйдаги хотинлар Унсинни қаттиқ юмушларга сола бошладилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қаттиқ кундан бизларни халос этган отамдир, Мен шу мусофир отамдан хабар оламан.* «Зулфизор билан Авазхон».

7 *с.т.* Сарф-харажат, умуман, чиқимга тоби йўқ, унга чидамайдиган. *Ундан бирон нарса сўраш керак эмас, ўлгундай қаттиқ одам.*

Бети (*ёки* **юзи) қаттиқ** *қ.* **бет**. **Қаттиқ ботмоқ** (*ёки* **тегмоқ)** Хафа қиларли, ранжитадиган даражада таъсир қилмоқ. *Бу гап Тўхта холага қаттиқ ботди. Кампир Бозоровнинг юзига ғазабли кўзларини тикди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Даминжоннинг «Машинамнинг ақли бултурдан бери сизникига қараганда кўпроқ кирганга ўхшайди», дегани Шермат акага жуда қаттиқ теккан эди.* А. Ҳайитметов, Шонли авлод. **Қаттиқ гап** *айн.* **оғир гап** *қ.* **оғир.** *Менинг шунчалар қаттиқ гапларимга қандай чидадинг?* К. Яшин, Ҳамза. **Қаттиқ олмоқ** Қаттиқ ботадиган даражада қабул қилмоқ. -*Қанақа хато экан? – кўнглига қаттиқ олгандек секретарга қаради раис.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Қаттиқ турмоқ** Гап-сўзидан, азм-

қароридан қайтмаган ҳолда ўзини тутмоқ. *Мен ўнинчи синфни тамомлагунимча эрга тегмайман, деб қаттиқ туриб олдим.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. **Қаттиқ тутмоқ** 1) қаттиқ риоя қилмоқ, амал қилмоқ. *Урф-одатларни қаттиқ тутмоқ;* 2) ўз измида (ҳукмида) сақламоқ, измида бўлишга мажбур қилмоқ. *Шариат хотинни қаттиқ тутиш керак дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча ғафлатда қоласиз.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ҚАТТИҚЛАМОҚ с. *т.* **1** Қаттиқ қилмоқ, қотирмоқ.

2 Маҳкамламоқ, маҳкам қилмоқ, маҳкам қилиб боғламоқ ёки тортмоқ.

ҚАТТИҚЛАШМОҚ 1 Қаттиқ бўлмоқ, қотмоқ. *Бола ўсган сари, суяклари анча қаттиқлашади.* ▬ *Кафтда сиқила-сиқила қаттиқлашган, тухумдай қор «ёвга» тегмай, адашиб, Йўлчининг бошини ялаб, дўпписини қийшайтириб ўтади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кучаймоқ, зўраймоқ. *Шамол қаттиқлашди.* ▬ *Назирбой, уруш қаттиқлашди-ку.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *с. т.* Оғирлашмоқ қийинлашмоқ. *Иш қаттиқлашиб кетди. Тирикчилик қаттиқлашди.*

4 Шафқатсиз, аёвсиз бўла бормоқ; қатъийлашмоқ, жиддийлашмоқ. *Муртазонинг нигоҳи сўнгги пайтларда анча дағаллашиб, қаттиқлашиб қолди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

5 Қаттик, зиқна бўлиб бормоқ.

ҚАТТИҚЛИК 1 Қаттиқ эканлик. *Тошнинг қаттиқлиги. Ишнинг қаттиқлиги. Иroданинг қаттиқлиги. Интизомнинг қаттиқлиги. Оғриқнинг қаттиқлиги.* ▬ *Эртага қиёмат деса, ишониш мумкин эди-ю, лекин ўлгудай қаттиқлиги, хасислиги билан донг чиқарган Болта кўпаснинг ўғлидан бундай сахийлик келишига ишониш мумкин эмасди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ирода, матонат, қатъият. *Қийинчиликларни енгиш учун қаттиқлик ва чидам зарур.*

3 Қийинчилик, оғирлик; қаттиқчилик. *-Мен ўзимни камбағал деёлмайман, — деди бой, — лекин замонанинг қаттиқлиги мени ҳам камбағалларга яқинлаштирган.* С. Айний, Қуллар.

4 Қаттиққўллик, талабчанлик. *Қаттиқлик билан қўл остида сақламоқ.*

5 Металлургияда: бирор жисм (мас., металлнинг) қаттиқ жисмнинг ботишига кўрсатадиган қаршилиги; жисмнинг механик хоссаларидан бири.

ҚАТТИҚЧИЛИК Азоб-уқубатли, оғир аҳвол, машаққатли ҳолат; оғирчилик, қийинчилик. *Қаттиқчиликка чидамоқ.* ▬ *Сен ўзимизнинг болалардан. Етим ўсиб, қаттиқчиликни кўргансан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Беш-ўн кун қаттиқчиликни устимизга олиб, шу оз улов билан кўкламни енгиб олсак, кўп одамларнинг кўзи очилиб кетади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАТТИҚ-ҚУРУМ *айн.* **қаттиқ-қуруқ**.

ҚАТТИҚ-ҚУРУҚ 1 Қуриб, қотиб қолган, қотган-қутган. [*Гулжон*:] *Кир-чирларингизни ювиб бераман, қаттиқ-қуруқ нонларингиз бўлса беринг.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 *кўчма* Кишига қаттиқ тегадиган; оғир, қаттиқ. *Қаттиқ-қуруқ гап.* ▬ *Мадумар Ғуломжоннинг далилларини қунт билан эшитди, қаттиқ-қуруқ гапирмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ойша билан Раҳима ҳеч вақт бир-бирининг кўзига тик қарашмаган, қаттиқ-қуруқ гапиришмаган.* Ҳ. Нуъмон, Меҳр.

ҚАТТИҚҚЎЛ 1 Тартиб-интизомни яхши ушлайдиган; қаттиқ, талабчан. *Қаттиққўл раҳбар.* ▬ *[Комилжоннинг] Илми ва билими бор, қаттиққўл.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

2 Шафқатсиз, бераҳм. *Ҳожи унга нисбатан жуда қаттиққўл, кўп сўкади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАТТИҚҚЎЛЛИК Қаттиққўл бўлиш, қаттиққўлга хос иш тутиш. *Иброҳим Султоннинг қаттиққўллиги подшоҳга ёқарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Қўчқоровнинг жиноятчига нисбатан олийжаноблик қилишини қувватлаб бўлмайди.. битта қонхўрнинг баҳридан ўтиш керак.. Баъзан қаттиққўллик ҳам керак, ўртоқлар!* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚАТТОЛ [*а.* قتّال — қотил, ўлдирувчи] **1** Одам ўлдирувчи, хунхўр, қотил. *У тошдек оғир гавдасини куч билан Мардонбек томон ташлаган замоноқ, қаттол бирин-кетин икки ўқ узди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Ана, камоннинг қаттол ўқи дов ўмровга санчилади!* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

2 *кўчма* Ашаддий, ёвуз. *Қаттол душман.* ▬ *Қалбимда ғазабнинг ўти тутақиб, Энг қаттол ёвларни қаттиқ қоралаб..* Ғ. Ғулом.

3 *кўчма* Жуда ҳам қаттиқ, кескин. *Вазир жаноблари хазина сарф-харажатларини қаттол назорат остига олмоқни таклиф этадир.* С. Сиёев, Аваз.

ҚАТ(Ъ) [*а.* قطع – кесиш, қирқиш, узиш, узилиш; муайян масофани босиб ўтиш]: **қат(ъ) этмоқ** *эск. кт.* 1) босиб ўтмоқ. *Бир масофани қатъ этиш учун, аввало, унинг ярмини, ярмини қатъ этиш учун унинг тўртдан бири, саккиздан бири ва ҳоказодан бирини қатъ этиш керак.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) *кўчма* кескин узмоқ. *Алоқани қатъ этмоқ.* **-дан қатъи назар** *қ.* **назар.** *Сен ихтиёр қиласанми, қилмайсанми, бундан қатъи назар, мен сени бахтиёр қилмасдан туролмайман.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚАТЪАН [*а.* قطعاً – асло, қатъиян] *эск. айн.* **қатъиян.** *Ҳукумат ишчиси бўла туриб, ҳукуматнинг обрўсини бир пул қилмоқлари қатъан жоиз эмас.* «Муштум».

ҚАТЪИЙ [*а.* قطعى – узил-кесил, энг охирги; тўла, тўлиқ] **1** Узил-кесил белгилаб қўйилган, ўзгармайдиган; мустаҳкам, барқарор. *Қатъий баҳолар. Қатъий режа. Қатъий муддат.* ▬ *У ерда батальон командири билан бирга қатъий жадвал асосида машғулот ўтказадилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бинокорлик ишларини шундай йўлга қўямизки, ғўза парваришига сира халал бермайди. Фақат қатъий тартиб ўрнатишимиз керак.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Қайта кўриш, ўзгартириш, шарт, писанда, эътироз ва ш.к. га йўл қўймайдиган; узил-кесил. *Қатъий жавоб. Қатъий фикр. Қатъий қарор.* ▬ *Қуръони шариф майни макруҳ деб қатъий тақиқлаган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сув исрофгарчилигига, суғоришни сифатсиз ўтказишга қатъий барҳам бериш керак.* Газетадан.

3 Мустаҳкам, шак-шубҳасиз, қаттиқ. *Қатъий ваъда. Қатъий риоя қилмоқ. Қатъий ишонч.* ▬ *Мен сени ғолиблар қўлида кўриб, Озод келажакка қатъий ишондим.* Уйғун. *Ҳайдар ўз фикрида қатъий туриб олди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

4 Астойдил, жиддий, қаттиқ. *У.. қатъий товуш билан интизом ҳақида гапирди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қутидорнинг бу сўзи жуда ҳам қатъий эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..сувсиз ётган ер борки, ҳаммасини ўзлаштиришга қатъий бел боғлаганмиз.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Хўжаев раис кабинетидан ранги ўчган ҳолда чиқди. Аммо ҳақиқатдан кўз юма олмаслигини қатъий туриб айтди.* «Муштум».

ҚАТЪИЙЛАШМОҚ 1 Қатъий тус, ҳолат касб этмоқ; барқарорлашмоқ. *Бўтабойнинг хаёллари борган сари қатъийлашди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Маҳмудов жим қолди, нималарнидир ўйлаб кетди, излаган нарсасини топгандай, фикри энди қатъийлашди, кўзлари чарақлаб ёнди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. *Гап пишиб, қарор қатъийлашганда, Шодмонбек Ҳуснияларникига одам юбормоқчи бўлган эди..* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ҚАТЪИЙЛИК 1 Қатъий ҳолат, қатъий ҳолатга эгалик, қатъий эканлик. *Фикрнинг қатъийлиги. Ишончнинг қатъийлиги. Мақсаднинг қатъийлиги.* ▬ *Тартибнинг эркинлиги нисбий бўлганлиги каби, тартибнинг қатъийлиги ҳам нисбийдир.* Газетадан. *Ҳафиза ўз ниятида қатъийлиги, маъсум, беғубор севгиси билан гўзалдир.* О. Тоғаев, «Умид» романи ҳақида.

2 *айн.* **қатъият 1**. *-Ҳамма иш муҳим, – деди Адолат қатъийлик билан, – аммо сув муҳимроқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Унинг бутун вужудида ўзига ишонч, қатъийлик сезилиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ҚАТЪИЯН [*а.* قطعيًا – қатъий равишда, узил-кесил, батамом] *рвш.* **1** Қатъий равишда, бутунлай. *Қатъиян рад қилмоқ. Қатъиян ман қилмоқ.* ▬ *Шу минутдан бошлаб [Элмурод] ўз қароридан қатъиян кечмоқчи ва ҳаммасини бирйўла кўнглидан чиқариб ташламоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бундай эътиборсизликка қатъиян барҳам бериш керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Сира ҳам, ҳеч, мутлақо. *Уларнинг ҳаракатларидан, юзларидан бениҳоят чарчаганликлари сезилиб турса ҳам, лекин довдираш, ҳовлиқиш, паришонлик қатъиян кўринмасди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *кам қўлл. айн.* **қатъий 4.** *Отинойи бу сафар ўз қоидасини бузиб, қатъиян тайинлади..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАТЪИЯТ [*а.* قطعيت – қатъийлик, узил-кесиллик; дадиллик, матонат, сабот] *кт.* **1** Ўз фикрида, сўзида, азму қарорида қаттиқ туриш; қатъийлик. *Қатъият кўрсатмоқ.* ▬ *Тўлқинжон анқайиб қолди. У Ҳуридан бундай қатъиятни ва иродани сира кутмаган эди.* Ф. Мусажон, Ҳури. *Унинг чеҳрасида, юпқа*

лабларида аллақандай бир қатъият бор, ҳаракатлари кескин, шиддатли эди. О. Ёқубов, Излайман.

2 Сабр-тоқат, матонат, ирода. *Ҳарбий хизмат ўз характерига кўра йигитлардан қатъиятни талаб қилади.* «Саодат».

ҚАТЪИЯТЛИ 1 Ўз фикрида, сўзида, азму қарорида қатъият билан турадиган; азмкор. *Қатъиятли ходим.* ▬ *Аввалига Ҳошим Латифжонга анча қатъиятли, ростгўй ўртоқ сифатида танилган эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Меҳрибон устоз Муҳсин Қодиров ўта талабчан, изланувчан ва қатъиятли мураббий.* Газетадан.

2 Матонатли, иродали.

ҚАТЪИЯТСИЗ 1 Ўз фикрида, сўзида, азму қарорида қатъият билан туролмайдиган; беқарор.

2 Ноаниқ, бетайин. *Бу тўғрида қатъиятсиз, мужмал жавоблар беришдан.. тўйинган Раъно Анвардан кўз олмай турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚАТЪИЯТСИЗЛИК Қатъиятга зид иш, хатти-ҳаракат. *Жуда кўп ҳолларда.. йўл қўйиб бўлмайдиган даражада қатъиятсизлик, журъатсизлик қилди.* Газетадан.

ҚАТҚАЛОҚ 1 Кучли ёғинлар ва суғоришдан сўнг нам тупроқ бетида ҳосил бўладиган қаттиқ қатлам. *Уруғ экилгандан сўнг устига кучли ёмғир ёғса, тупроқ бети қотиб қолади, биз шуни қатқалоқ деймиз.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бугун звено аъзолари далага чиқиб, қатқалоқ ерларни юмшатиб, ғўза ниҳолларининг тагини бўшатиш билан банд.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Ер, қор ва ш.к. нинг музлаб, қотиб қолган устки қатлами. *Кўча музлаб, қатқалоқ ва тойғоқ ҳосил бўлибди.* И. Раҳим, Ихлос. *Бектемир қатқалоқларга қоқиниб-суқиниб, штабга келди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Қатқалоқ совуқ Ҳамма нарсани музлатиб, қотириб қўядиган қаттиқ совуқ. *Одамлар «чийиллаган чилла» деб таърифлаган кунларда шундай қатқалоқ совуқ роса бир ҳафта давом этди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАТҚАЛОҚЛАНМОҚ 1 Қатқалоққа айланмоқ; қатқалоқ билан қопланмоқ.

2 Яхлаб қотмоқ. *Эрув вақтида ярим белидан лой кечишга тўғри келадиган кўчаларнинг лойи қатқалоқланган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚАТ-ҚАТ 1 Бир неча қават ёки қатламдан иборат бўлган; қават-қават, қатлам-қатлам. *Қат-қат кўрпалар.* ▬ *Қат-қат булутни беҳол ёриб чиққан қуёш ўз аксини сувга туширган эди.* Й. Шамшаров, Ойдин кўллар. *Токчалар қадимча — ганчдан ишланган қат-қат катакчалардан иборат.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаватлари букланиб очиладиган ёки шундай йўсинда тахланган. *Оёғида шпорли яхши хром этик, унинг қўнжини манглай ажинидай қат-қат қилиб, бири устига бирини қалаштирган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *кўчма* Қаторлашиб тахланиб ётган; жуда кўп, чексиз. *Сен ўқийсан, мен ишда, Дилда умидлар қат-қат.* Зулфия. *Дўстим билан қувнаб, кулишиб, Биз қайтамиз, севинчлар қат-қат.* Х. Салоҳ.

4 *кўчма кам қўлл.* Такрор-такрор, қайта-қайта. *Мени бутун дунё тингласин, Чевар қиз, деб мақтасин қат-қат.* Уйғун. *Умр тилаб мард ўғли учун, Она қат-қат қарар юлдузга.* Ҳ. Ғулом.

ҚАТҚОРИН *анат.* Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ошқозонининг қат-қат қисми.

ҚАФАС [*а.* قفص — катак, каталак; сават, кажава; кўкрак қафаси] **1** Қуш ёки ҳайвонларни сақлаш учун махсус ясаладиган хонача. *Темир қафас. Қафасда саъва боқмоқ. Қафасдаги шер.* ▬ *Қафас яшириб қўйилган арча тагида бир каклик патиллаб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Каттагина бир қафасдаги чиябўри, чет одам келганидан, норози иржайиб қўйди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

Кўкрак қафаси *анат.* Гавданинг қовурғалар билан ўралган, юрак жойлашган қисми. *Юрагимни эзиб, кўкрак қафасимни ёриб юборгудай бўлаётган алам ва фарёдга чидай олмай, секин боққа чиқдим.* О. Ёқубов, Излайман.

2 *кўчма* Қафасга нисбатли нарса, ҳолатни билдиради. *Мана икки йилдирки, у Содиқжон бойваччанинг олтин қафасида қон йиғлаб, кундошлик жафосини тортади.* К. Яшин, Ҳамза. *Етти ўғлон қутқарганда ёрни жинлар қафасидан..* М. Шайхзода.

3 *кўчма* Саноқ сон билан қўлланиб, айрим қушларни уриштиришда ўтадиган маълум вақт доирасини (бирлигини) бил-

диради. *Тешабой бўқоқ Раҳимберди калнинг туллаги билан жўжасини уриштирган эди, икки қафасдаёқ Раҳимбердининг беданаси.. чийиллаб чиқиб кетди.* «Муштум». *..икки муллани бир қафас уриштириб, томоша қилмоқчи бўлибдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚАЧОН *сўр. олм.* **1** Қай(си) вақтда? *Қачон келасиз? Мажлис қачон бошланади?* ▬ *Қачон керак бўлсам, айт, югуриб келаман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *бркт. боғл. взф.* Қачонки. *Қачон унинг паранжисини кўрса, қачон овозини тўсатдан эшитса, йигит қалтирайди, ранги оқаради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАЧОНГИ 1 *сўр. олм.* Қайси вақтга тааллуқли?; қайси вақтда бўлган? *Бу қачонги воқеа?*

2 *сфт.* Узоқ ўтмишга оид, анча вақт илгари, қачонлардир юз берган; эски. *Ҳў, бу қачонги одам. Қачонги ишларни суриштириб юрибди.*

ҚАЧОНДИР 1 Тарихи аниқ бўлмаган узоқ ўтмишда, ўтган замонда. *Бу ерлар қачондир тўқайзор бўлган.* ▬ *У [Абдулла] асли хўжандлик тожик бўлиб, Қамишкапага қачондир кўчиб келган, сартарошлиги учун ҳамма уни «уста» дер эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Келажак кунларнинг бирида, қачон бўлмасин бир кун, бир кун эмас бир кун. *Унинг* [*Тўлаганнинг*] *бу гаплари керакли, ҳозир бўлмаса, қачондир айтилиши керак гаплар бўлгани учун Бўтабой ҳам қўйиб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚАЧОНКИ *бркт. боғл.* Бирор воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш пайтини ёки шартини ифодалайди; «агар», «башарти» маъноларида қўлланади.

ҚАЧОНЛАР *рвш.* Бундан анча вақт аввал; аллақачон. *Халқлар ичида кўпдан овоза — донғи кетган, Дунёнинг ҳаммасига қачонлар бориб етган.* Қ. Муҳаммадий.

ҚАШИМОҚ Бирор жойнинг қичишини енгиллаштириш ёки босиш учун нарса ёки тирноқ ва ш. к. билан тирнамоқ, қичимоқ. *У* [*Қудрат*] *кўзини қисиб, ручканинг думи билан пешонасини қашиб, узоқ ўйлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Баққол.. харидор кутиб, оппоқ соқолини қашиб ўтиради, кўзлари ўтган-кетганда.* «Шарқ юлдузи». *-Қийин.. Оғайни, қийин, — деди иягини қашиб ошпаз солдат.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Улар* [*чумчуқлар*] *бир-бирларини қувишиб ўйнашар.. патларини, қанот тагларини қашиб-қашиб қўяр эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бош қашишга (*ёки* **қашигани) вақт йўқ** *ёки* **бош қашигани қўл тегмайди** Жуда банд, озгина ҳам бўш вақт йўқ. *Мартенчиларнинг бош қашигани вақтлари йўқ: улар кўпдан кутилган машиналарни монтаж қилишлари, уларни тездан ишга солишлари керак* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Майли, экканлар экиб, тикканлар тикаверсин, бошимизни қашишга қўл тегмайди-ю..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Бошини қашимоқ** Хижолатли, ноқулай шароитга тушганда ёки бирор хаёлга борганда, ўй сурганда, қўлни бошга юбориб, қашишга ўхшаш ҳаракатлантириш ҳолатини билдиради. *Машраб хижолат чекиб, бошини қашиди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Гап шу ерга келганда, Берди Аминовичнинг нафаслари ичларига тушиб, кўрсаткич бармоқлари билан бошларини қашиб қолдилар.* «Муштум». *Бошин қашиб бир нафас, Ботди оғир хаёлга.* Ғайратий.

ҚАШЛАМОҚ 1 *айн.* **қашимоқ**. *Ҳамроқул бекка қараб ва қўлини тўни ичига олиб, қорнини қиртиллатиб қашлай бошлади.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. *Зиёхонов Тўлаганга қараб, тақир бошини қашлади.* А. Мухтор, Чинор.

2 Қашлағич билан тозаламоқ. *Қашлағич олдим-да, қора қашқани у ёқ-бу ёғини қашлаб чиқдим.* А. Қодирий, Улоқда.

3 *кўчма кам қўлл.* Алдаб-сулдаб, силаб-сийпаб, бирор ишга кўндирмоқ. [*Мастура*:] *Ахир сиз қизиқсиз! Беш кун сабр қилинг, куёв-пуёвга чиқсин, бир ой-ярим ой ўтсин, ундан кейин аста-аста қашлаб, ишга солайлик-да.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Мен сенга ёмонликни кўзласам, орқангни қашлаб гапирар эдим.* И. Раҳим, Ихлос.

4 *кўчма* Шилиб, юлиб-юлқиб олмоқ. *Яхши билан ўртоқ бўлсанг, яхши йўлга бошлайди, Ёмон билан ўртоқ бўлсанг, бор-йўғингни қашлайди.* Мақол.

ҚАШЛАҒИЧ Отни қашлаб тозалаш учун ишлатиладиган, қатор тишли темир асбоб. *Тўра от устини бир сидра ювиб, сўнг қашлағич билан бўйниларини, ўмровини қашлай бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

ҚАШОВ *шв.* Қашлағич. *Тилла қашов, гулдан жўроб [супурги] қўлида, Торта берди ўиркўкнинг баданига.* «Хушкелди».

ҚАШШАНГ *шв.* **1** Уяти йўқ, сурбет, суллоҳ. *Қашшанг одам.* ▬ *Куёш, бошлиқ бевақт ишга қўзғаган қашшанг каби, тажангларча нур сочмоқда.* «Шарқ юлдузи».

2 Бўй бермайдиган, асов. *Қашшанг от.*

ҚАШШОҚ Ўта камбағал, фақир; фақирона. *Қизиқ экансан.. бу ердагилар ҳаммаси гадойдан нон тилайдиган қашшоқлар..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўшнинг баландпаст лой томлари шаҳардаги қашшоқ ҳаётнинг гувоҳидек мунғайиб турибди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Рўзиматнинг отаси жуда қашшоқ яшар, мешкобчилик билан кун кўриб, оиласини боқолмас эди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

ҚАШШОҚЛАНМОҚ *айн.* **қашшоқлашмоқ.**

ҚАШШОҚЛАШМОҚ Қашшоқ ҳолатга тушмоқ, камбағаллашмоқ. *Кейинги пайтларда деҳқонлар қашшоқлашган, ерсизлик балоси жонларига тегиб кетган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАШШОҚЛИК Қашшоқ ҳолат, қашшоқ турмуш. *Очлик, қашшоқлик — уруш дарахтининг аччиқ мевалари.* Т. Малик, Ажаб дунё.

ҚАШҚА 1 От ёки мол пешонасидаги оқ жой, оқ нишона; шундай нишонали от, мол. *Ола бузоқ, қашқаси ҳам бор, Усти қора, бағри оппоқ қор.* Ғ. Ғулом. *От келар яшнаб борлиқ, Қашқаси гўё ёрлиқ.* Т. Тўла. *Ўртароқда анчадан бери бир-бирига ўқрайганча елкалашиб келаётган қашқа буқача билан тарғил буқача тўсатдан сузишиб қолиб, поданинг тўс-тўполонини чиқарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Бетнинг кўринадиган ерида урилишдан қолган нишона, мас., яра, чақа. *Сапчиб ўрнимдан турсам.. пешоналари қашқа, кийимлари тупроқ.. дадам кириб келяптилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. [*Мавлон*] *Ҳозир афти-башарасини қашқа қилиб муштлашишдан, бировларнинг таъбини хира қилишдан бошқа иш қилмайди.* Ш. Шуҳратов, Безорилар.

Отнинг қашқаси *салб.* Ҳамма биладиган, танийдиган. *Луқмонбек маҳаллада отнинг қашқаси.* С. Аҳмад, Сайланма.

ҚАШҚАЛДОҚ Сувмошаклар туркуминнинг қамишзор кўлларда яшайдиган, бошида қашқаси бор бир тури; ўрдакдан кичикроқ ёввойи ов қуши. *Тўнғизларнинг бесаранжом хур-хури, ўрдак ва қашқалдоқларнинг ғақ-ғуқи оламни тутган.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚАШҚАЛИ Пешонасида қашқаси бор. *Майна яна бир карра извош ва отларни кўздан кечирди.. Отнинг бири қизил, четдагиси оқ қашқали тўриқ.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҚАШҚАРБЕДА Дуккаклилар оиласига мансуб, оқ ёки сариқ гулли, ўқилдизли икки йиллик бегона ўт.

ҚАШҚАРБОЛДОҚ Исирғанинг 18-асрда Фарғона водийсига қашқарликлар келтирган, ҳалқа шаклидаги тури. *Қашқарболдоқнинг маҳаллий анъаналарга яқинлиги унинг тез тарқалишини таъминлаган.* «ЎзМЭ».

ҚАШҚАРГУЛ *айн.* **қўқонгул**.

ҚАШҚАРИ Қашқарда бўладиган; Қашқарда ясалган. *Ҳаётхон ўрнидан турди, онам умид билан унга тиктириб қўйган.. қашқари қундуз телпакни кийгизди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚАШҚАРЧА 1 *сфт.* Қашқарга ва қашқарликларга оид; уйғурча. *Қашқарча ўйин. Қашқарча овқатлар.*

2 *от* Олди ромлар билан ўралган айвон. *У «тиқ» этган овоз келса, кўзларини беихтиёр кўча эшикка тикиб, қашқарчада ўтирибди.* А. Ёқубов ва Ш. Шодиев, Топилган қиз.

3 *от эск.* Уйғур тили. *Қашқарча(ни) биласизми? Қашқарча сўзлашмоқ.*

4 *от* Келиб чиқиши уйғур мусиқаси билан боғлиқ куй ёки ашула номи. *Одамларнинг кўзлари гулхан ёруғида ўртада «қашқарча»га муқом қилувчи, беқасам тўн устидан белбоғ боғлаган қора қош йигитда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАШҚИР *айн.* **бўри 1.** *Қашқир ўзининг уяси олдидаги қўйларга тегмай, узоқдаги бошқа қўйларга боради.* О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши. *Мен кетган сўнг ўзинг ёлғиз қолмагин, Қашқир-қобонларга емиш бўлмагин.* «Ширин билан Шакар».

ҚАЪДА [*а.* قعده — ўтириш, вазият, ҳолат] *этн.* Киши вафотидан кейин унинг кейинги маросимларидан бирини, мас., «йигирма»си ёки «қирқ»ини бирор яқин

қариндошиникида ўтказиш одати, таомили. *Қаъда қилмоқ.*

Қаъда қаримас Қилиниши лозим, аммо шошилинч бўлмаган иш ҳақида. *Халқимизда «Олтин чиримас, қаъда қаримас» мақоли бежиз дунёга келмаган.* «Фан ва турмуш».

ҚАЪР [*а.* قعر — чуқурлик, чуқур жой; таг, туб] Бирор нарсанинг сиртидан анча чуқур ери, ости, ичи. *Ернинг қаъри. Дарёнинг қаъри.* ▬ *Бир ярим соат ичида денгиз даҳшатли юкни бутунлай қаърига ютиб юборди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Негадир шундай баҳайбат тоғлар ҳам кўринмас, улар ҳам худди тун қаърига сингиб кетгандай эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАҚАЖОН *шв.* Қақилдоқ. *Қандолатхон Барнони яхши билар эди: ёлғиз ўсган қақажон қиз.* И. Раҳим, Барно. *Бирам қақажон, кўҳлик, Бирам бийрон ва айёр.* Миртемир.

ҚАҚАНОҚ Қўй ёки эчкининг оғиз сутидан пиширилган овқат. [*Жонгул*] *Йигитга ҳар гал яйловдан қайтганида, албатта, ёғоч косада қатиқ, қўй сутидан ясалган қақаноқ ёки ивитилган қурут олиб чиқар эди.* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи. *Онаси эчкининг янги сутидан қақаноқ қилиб берарди.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

ҚАҚАС *шв.* Кишилардан ёки кишилар яшайдиган жойдан узоқ, чекка ер; овлоқ. *Қақас жойда учрашмоқ.* ▬ *Лўлилар колхозга аъзо бўлиб киришга қарор берганларида, биринчи шарт қилиб, қишлоқдан қақасроқ ерни талаб қилган эдилар.* Н. Сафаров, Лўлилар.

ҚАҚА(Қ)ЛАМОҚ «Қақ-қақ» овоз чиқармоқ; қақилламоқ (товуқлар ҳақида). *Чипор товуқ ҳам зўр ташвиш билан қақақлаб, таралиб юрган жўжаларини қаноти остига чақирарди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ калбли қиз.

ҚАҚИЛДОҚ Ўзини билағон санаб, ҳадеб гапираверадиган; гапдон, маҳмадона (кўпинча қизлар ҳақида). *-О, мунча қақилдоқ экан бу қиз, — олифта хоним юзини тескари бурди, — ташвиқот қиляпти бизни.* Ойбек, Нур қидириб. *Бошқа бирор кўзлагани бордир қақилдоқнинг.* Н. Аминов, Муяссар.

ҚАҚИЛЛАМОҚ 1 *айн.* **қақа(қ)ламоқ**. *Чипор товуқ шу кунларда етилган.. қақиллаб юрибди.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Ҳадеб гапиравермоқ, маҳмадоналик қилмоқ. *Хўп, хўп. Бунча қақиллайсан?* Ў. Умарбеков, Юлдузлар. *Эшонни ҳам, қорини ҳам оғзига қаратиб, анчагача қақиллади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚАҚИР Сувсиз, қақраб ётган қоқ ер, қақроқ жой. *Бўз ерларга сув чиқади, қишлоқ атрофи, қақир бўз ерлар кўкаламзор, экинзор бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ташналаб ётган қақир чўлларни ҳосилдор этиб, Боғу бўстону экинзор этгали имкон сув.* Ҳабибий.

ҚАҚИРЛАМОҚ *айн.* **қақилламоқ.** *Қақирлаб кулмоқ. Қақирлаб сайрамоқ.* ▬ *Қори Маҳмуд қақирлаб кулгандан кейин, жиддий бир вазият олиб: -Менимча, — деди, — ҳар бир киши ва ҳар бир нарса учун бир ном керак.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚАҚИР-ҚУҚУР Ҳар хил майда-чуйда нарсалар; ашқол-дашқол, лаш-луш. *Бу машина, араваларга тирбанд қилиб.. аллақандай қақир-қуқурлар ортилган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ёрматнинг қақир-қуқури оз бўлгани учун, araванинг олдинги қисмида Гулнор ва онаси бемалол жойлашган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАҚОЛАМОҚ *айн.* **қақа(қ)ламоқ**. *Тухум қўймаган товуқ кўп қақолайди.* Мақол.

ҚАҚРАМОҚ Нами қочиб ёки сувсизликдан, ташналикдан қуриб қолмоқ; қуруқшамоқ. *Қақраган чўл. Томоғим қақраб кетяпти. Беморнинг лаблари қақради.* ▬ *Кимсасиз чўл. Қуёшнинг жазирама иссиғидан ҳамма ёқ қақраб кетган.* Газетадан.

ҚАҚРОҚ Қақраган, қақир. *Қақроқ чўллар. Қақроқ лаблар.* ▬ *Сув — анқога шафе. Ҳамма ёқ қум, қизиб, ёниб ётган қақроқ қум.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бобоқул ота томоғининг қақроғини босиш учун ҳовуздан оқиб чиқаётган ариқдаги зилол сувдан ҳовучини тўлдириб ичиб олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚАҚШАМОҚ 1 Оғриқли зирқироқ тутмоқ, сирқирамоқ. *Аъзойи баданим қақшаяпти.* ▬ *Лўқ-лўқ қақшаётган чаккаларидаги оғриқ босилди..* С. Нуров, Нарвон. *Оёқлари зир қақшар, бир қадам босишга ҳам мадори келмас эди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кўчма* Азоб-уқубатли, машаққатли ҳолатда бўлмоқ, шундай ҳолатни кечирмоқ. *У бечора, ёшлиги минг хил азоблар билан қақшаган, хўрланган, бечора халқнинг бу қадар ишонч ва эҳтиромини ҳеч вақт хаёлига келтирганмикин?* А. Мухтор, Қорақалпоқ

қиссаси. *Эзилган, қақшаган, очу яланғоч, Ҳамиша бир ғарибпарварга муҳтож.* Ҳабибий.

3 Зир-зир титрамоқ, қалтироқ тутмоқ; қалтирамоқ. *..лаби лабига тегмай титрар, аъзойи бадани безгак тутгандай қақшарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

4 Қуриб, қақраб қолмоқ, қуриб қоқ бўлмоқ. *Бочка қуриб, қақшаб кетибди.* ▬ *Қоракўл дарёси қуриб, қақшаб ётибди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

5 *кўчма* Ачиниб, ёлвориб ёки хафа бўлиб, кўп гапирмоқ. *Қақшаб гапирмоқ. Кўп қақшадим, сўзимга кирмади.* ▬ *Хадича буви ичкарига кирди-ю.. ўша ерда қақшаб, қарғаб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Ачинарли, зор ҳолатга тушмоқ. *Қон қора қақшамоқ.* ▬ *Карима опа қақшаб йиғлаётган ўғлини ётоғига олиб кириб ётқизди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Жуда хунук иш бўлди-да.* [*Қизнинг*] *Онаси зор қақшаб, қидириб юргандир.* С. Аҳмад, Лочин. *Бечора увол кетибди. Ота-онаси қақшаб қолибди-да, аттанг, аттанг!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ҚАҚШАТМОҚ Қақшамоқ фл. орт. н. *Осмонни қоплаб олган чодирдек булут қулоқ-бурунни кўкартириб, суякни қақшатувчи аччиқ изғирин қор бошлаб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бегуноҳ онани қон қақшатиб, эрини тортиб олаётган эканман-ку.* А. Муҳиддин, Куёв қочди.

ҚАҚШАТҚИЧ Қақшатувчи, ўнгланиши қийин аҳволга солувчи, яксон қилувчи, йўқ қилиб юборадиган. *Қақшатқич зарба. Қақшатқич жанг. Қақшатқич танқид.* ▬ *Нусратилла рўпарасида чўяндай қорайиб ўтирган душманнинг ҳақоратларига қарши қақшатқич бир гап тополмай, ҳамон ёнади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..тўрт-беш баравар кўп кучга эга бўлган душман атакаси қақшатқич ўқ довули билан рад этилиши керак.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҚАҚШОҚ Қуруқ ва қаттиқ; қотган. *Она қақшоқ қўлларини қизининг юрагига қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚАҚҚАЙМОҚ Тикка қотиб турмоқ, тик ҳолатда бўлмоқ. *Мочалов билан бирга унинг каби погонли, яроғ-аслаҳали икки тўра зинада қаққайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзан қизғиш-қўнғир бир илон ўт орасидан ўрмалаб келиб, атрофни томоша қилаётгандек қаққайиб қолган юмронқозиққа ташланади.* М. Осим, Тўмарис. *Қиш оппоқ кўрпасин тўшаган ерда Қаққайиб турибди бир туп оқ қайин.* Х. Салоҳ.

ҚАҚ-ҚАҚ *тақл.* с. Товуқларнинг ўзига хос овозини билдиради. *Товуқлар қақ-қақ қилиб қочишди.*

ҚАҒ *тақл. с.* Қарға, зағча, қузғун ва ш.к. нинг товушини билдиради. *Қарға қағ этади, ўз вақтини чоғ этади.* Мақол.

ҚАҒАНОҚ *айн.* **қақаноқ.**

ҚАҒИЛЛАМОҚ «Қар-қағ» овоз чиқармоқ; қағқағламоқ. *Қиру сой, дарахтлар қорга ботибди, Қарғалар қағиллар бўлиб миннатдор.* Шуҳрат. *..баланд тераннинг айри шохида қағиллаб турган олаҳаккага анграйиб қолган эди.* Н. Аминов, Суварак.

ҚАҲАТ [*а.* قحط — ёмғирсизлик, қурғоқчилик; очарчилик] **1** Топилмайдиган, йўқ ҳолат. *Бир кафт дон-дун экишга ҳам қурбим етмади.. Ер ориқ, гўнг ҳам қаҳат.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Наҳот шунча қаттиқ табиат қаҳри, Наҳотки илож йўқ, бир чора қаҳат.* С. Зуннунова. *Бу ерда ҳатто пайпоқ, носки ҳам қаҳат экан.* Газетадан.

Ўғрига мол қаҳатми? Уддабуррога ҳамма нарса топилади, деган маъноли ибора. *-Ўғрига мол қаҳатми, ҳасса йўқолса, сен учун топилмайдиган матоҳмас-ку, — дедим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 *айн.* **қаҳатчилик.** *Ким бизга қайрилади, Очлик, қаҳат тўрт томон.* Миртемир.

ҚАҲАТЛИК Топилмаслик, етишмаслик; йўқлик.

ҚАҲАТЧИЛИК 1 Уруш ёки бирор табиий офат натижасида ёки экин-тикин битмай қолганлиги сабабли кундалик эҳтиёжларга зарур нарсаларнинг топилмаслиги, топилиши жуда қийинлиги юз берган ҳолат. *Нарх-наво кўтарилиб кетди. Қимматчилик ҳадемай пулга нон топилмайдиган қаҳатчиликка айланади.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар. *..ғалла камайиб, пахта майдонлари қисқариб, чорва турли офатларга учраб, юртда очарчилик ва қаҳатчилик бошланди..* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАҲВА [*а.* قهوه — кофе дарахти ва меваси; кофе; кафе] *айн.* **кофе 1-3**. *Қаҳва майдонлари. Бир стакан қаҳва. Қаҳва ичмоқ.* ▬ *Хизматчи қаҳва келтирди, Анвар Мурод дастурхонга меҳмонларни ундади.* Ойбек, Нур қидириб.

ҚАҲВАХОНА [қаҳва + хона] Чой, қаҳва, енгил таом ва ш.к. сотиладиган кичик

ресторан. *Биноларнинг пастки қавати хилма-хил дўконлар, ошхоналар, қаҳвахоналар ва турли муассасалар билан банд.* Ҳ. Қодирий, Қоҳира лавҳалари.

ҚАҲВАЧИ 1 Қаҳва билан савдо қилувчи, қаҳва сотувчи. *Қаҳвачи чол қайтиб кирганида, Озод бошини хонтахтага қўйиб, донг қотиб ухларди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Қаҳвахонанинг хўжайини, эгаси.

ҚАҲР [*а.* قهر – бўйсундириш, мажбурлаш, зўрлаш; хафалик, алам, қайғу] **1** Қаттиқ аччиқланиш, жаҳл туйғуси; ғазаб. *Замиранинг қаҳрдан ёнаётган кўзлари, аччиқланганда ҳам нафосатини йўқотмайдиган юзи жазманига янада чиройли кўринди шекилли, йигит ширин илжайди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Кўзғолончи халқнинг.. қаҳри ҳар лаҳзада кучайди, ҳайқириғи кўкни тутди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг сўзлашув оҳанги мулойим бўлса-да, аммо узиб олгудек қаҳр ва аччиқ киноя сезилиб турарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *кўчма* Баъзи табиий ҳодисаларнинг «аламли» кучи, таъсирига нисбатан қўлланади. *Қиш қаҳридан қарсиллайди қайрағочлар.* А. Мухтор. *Аччиқ аёз кўрсатар кучин, Ўткирлашар совуқнинг қаҳри.* Д. Файзий.

Қаҳри келмоқ *айн.* **қаҳрланмоқ.** *Олимжоннинг қаҳри келди, кўмир чўғидай кўзларидан ўт чақнади.* «Муштум». *Қаҳри келганда, ҳеч кимни аяб ўтирмайди.* Т. Ашуров, Оқ от. **Қаҳри қаттиқ** Меҳр-шафқати йўқ. *Ҳа, ана шундай бемеҳр, қаҳри қаттиқ кимсалар ҳам бор.* Газетадан. **Қаҳрига олмоқ** Қаҳрини ўтказмоқ; жабрламоқ. *Эй худованди карим, мен бечорани нега бунча қаҳрингга олдинг.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚАҲРАМОН [*ф.* قهرمان – ботир, жасур; чемпион] **1** Шижоати, довюраклиги, ботирлиги билан шуҳрат қозонган, жонбозлик, мардлик қилиб, ўзини кўрсатган шахс. *Ўлимдан қўрққан киши қаҳрамон бўлолмайди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қўшиғимга илҳом берган қиз Олам-олам ҳайдаб қўйди ер. Ким кўрса ҳам уни, шубҳасиз, Пахтазорнинг қаҳрамони дер.* Т. Тўла.

Ўзбекистон Қаҳрамони Ўзбекистон Республикасида алоҳида хизматлари учун бериладиган олий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

2 *ад.* Бадиий асарнинг бош иштирокчиси. *Роман қаҳрамони. Фильм қаҳрамонлари.* ▬ *Ҳамма, биринчи навбатда, ҳикоямизнинг қаҳрамони Ёдгорни табриклар эди.* С. Айний, Дохунда.

3 Умуман, бирор воқеа-ҳодиса ва ш.к.нинг содир бўлишига сабаб бўлган ёки унда асосий роль ўйнаган шахс. *Юқорида Отабек томонидан олинган мактубнинг ҳақиқати мана шу йўсин хиёнатнинг натижаси эдики, биз энди хиёнат қаҳрамонлари билан ўқувчини таништирамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Қаҳрамон (эркаклар исми).

ҚАҲРАМОНЛИК 1 Мардлик, ботирлик; довюраклик. *Жангчининг қаҳрамонлиги. Қаҳрамонлик кўрсатмоқ.* ▬ *Иш «номардларча» милтиқ урушидан, эски қаҳрамонлик достонларидагидек, «мардларча» қилич билан чопиш.. ханжар ва найза билан суқишга ўтди.* С. Айний, Қуллар.

2 Қаҳрамонларга хос иш, ҳаракат, мардлик, жасорат намуналари. *Газета хабарлари, каналдаги бўлган қаҳрамонликлар, мардликлар Жумақул отанинг диққатини жалб қилди.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

ҚАҲРАМОНОНА [*ф.* قهرمانانه – қаҳрамонларча, ботирона, мардонавор] Қаҳрамонларга хос равишда; қаҳрамонлик билан, қаҳрамонларча. *Қаҳрамонона жанг қилмоқ. Қаҳрамонона кураш.*

ҚАҲРАТОН Жуда қаттиқ, жуда ҳам шиддатли, ортиқ даражада совуқ. *Қаҳратон қиш. Қаҳратон совуқ.* ▬ *Қиш фаслида қаҳратон изғирин, бўрон, Қора булут, қора туман, тонги йўқ тунлар.* Ҳабибий. *Мукаррама Самадова ёзнинг жазирамасида ҳам, қишнинг қаҳратонларида ҳам пахтакорлар, чорвадорлар.. орасида бўлди.* Газетадан.

ҚАҲРЛАНМОҚ Ортиқ даражада аччиқланмоқ, қаҳри келмоқ; ғазабланмоқ. *Ҳоким пича қаҳрланиб турди, кейин қўлини силтаб, ясовулни қайтарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қаҳрлансам, армон билан ўласан..* «Муродхон». *Булутларки кўкартирар ерларни, Қаҳрланса, чақмоқ-яшин сочади.* М. Шайхзода.

ҚАҲРЛИ 1 Қаҳру ғазабга тўлган, қаҳру ғазаб ифодаловчи; ғазабли. *Асқар полвон сарғайган, кир, лекин қаҳрли юзидан терини артди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Мударриснинг қаҳрли важоҳати суратни йиртиб таш-*

лашдан ҳам тоймаслигини кўрсатар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Жуда ҳам қаттиқ, шиддатли, аёвсиз. *Қаҳрли қиш. Қаҳрли совуқ.* ▬ *Шу содда йигитнинг юрагини заҳарлаган қаҳрли, мудҳиш ҳаётни қарғади.* Ойбек, Навоий. *Ҳақиқатан ҳам куз этагиёқ қиш қаҳрли келишидан дарак бера бошлади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҚАҲ-ҚАҲ: **қаҳ-қаҳ урмоқ** (*ёки* **отмоқ, солмоқ**) Қаҳқаҳламоқ. *Шунақа қаҳ-қаҳ солиб, бегубор кулишардики, дарахтларда тунаган қушлар чўчиб қанот қоқади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Қайрилиб қаҳ-қаҳ урадир бир киши.* «Оқ олма, қизил олма». *Шудгорларда бригадалар қатор-қатор, Янгликда лаблари шўх қаҳ-қаҳ отар.* Ғ. Ғулом.

ҚАҲҚАҲА [*а.* قهقهه – хахолаб кулиш; қаттиқ кулги] **1** Қаттиқ хушчақчақ кулги. *Шербекнинг қаҳқаҳаси Сувонжонга тепасида бехосдан чақмоқ чаққандек бўлиб туюлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қаҳқаҳа урмоқ (*ёки* **отмоқ, солмоқ**), **қаҳқаҳа уриб** (*ёки* **отиб, солиб) кулмоқ** *айн.* **қаҳ-қаҳ урмоқ** (*ёки* **отмоқ, солмоқ)** *қ.* **қаҳ-қаҳ.** [*Нигора*] *Бирдан қаҳқаҳа уриб кулаpкан, булоққа қўлини тиқиб, чалпитиб юборди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Хўш, хотин, хафа кўринасан. Болаларнинг бахтига ўйнаб-кулиб, келинчаклардай қаҳқаҳа отиб юрмайсанми?* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

2 *кўчма* Давомли қичқириш, қағиллаш ва шу сингари товушларни билдиради. *Бойқушнинг шум қаҳқаҳаси.* ▬ *Қаердадир, қум ичида, урғочи оқчорлоқнинг хунук қаҳқаҳаси эшитилар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚАҲҚАҲ(А)ЛАМОҚ «Қаҳ-қаҳ»га ўхшаш товуш чиқармоқ; хахоламоқ. [*Холиқов*] *Гоҳо баралла қаҳқаҳлайди, баъзан: «Мен ундай қилдим, мен бундай қилдим, қотирдим, дўндирдим», деб осмондан келади.* А. Муҳиддин, Тўғри савол. *Ҳа, йигитлар ютқизиб қўймасалар яхши эди* [*деди кимдир*]. *Ҳамма қаҳқаҳлаб кулди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

ҚАҲҚАҲ(А)ЛАШМОҚ 1 Қаҳқаҳ(а)ламоқ фл. бирг. н. *Солдатлар қаҳқаҳлашиб юборишди. Айниқса, қора қошли, юзлари қуёшда пишган йигит силласи қуриб куларди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Хушчақчақ суҳбат қуриб, биргаликда вақт ўтказмоқ, чақчақлашмоқ.

ҚИБЛА [*а.* قبله – рўпарада турган нарса; намоз пайтида юз қаратиладиган томон (Макка томони); меҳроб; жануб] **1** *дин.* Мусулмонлар намоз ўқиётган пайтда юзни қаратиб, ўгириб турадиган томон, Макка шаҳри жойлашган томон. *Қиблага қараб фотиҳа ўқимоқ.* ▬ [*Отамнинг*] *Кўп вақтлари тасбеҳ ўгириш.. кечалари қиблага қараб, тиз букиб ўтириб, худога йиғлаш билан ўтар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Меъмор дасторини бошига қўндириб, қиблага юзини тўғрилади..* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *эск.* Ғарб, кунботиш томон. *Қибладан эсган шамол.*

Тўрт томонинг қибла! Қаёққа кетсанг кета бер, ихтиёринг ўзингда. -*Иккисидан бирини танланг, – деди Ойқиз қатъият билан, – ё кетмон, ё тўрт томонингиз қибла, бошингиз қаёққа оғса, ўша томонга жўнанг.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚИБЛАГОҲ [*а.* + *ф.* قبله‌گاه – қибла сингари жой] **1** *дин.* Қибла томон, қибла.

2 *кўчма маж.* Ўта ҳурматга лойиқ киши (мас., ота, она) ҳақида; унга мурожаат шакли. *Минг мартаба шукр бўлсин парвардигорга, Мендан рози кетган экан қиблагоҳларим.* А. Орипов, Жаннатга йўл. *Қиблагоҳим, валламатим, қулоқ сол. Энди сиздан оқ фотиҳа тилайман.* «Равшан».

ҚИБЛАНАМО [*а.* + *ф.* قبله‌نما – қиблани кўрсатувчи] *эск. айн.* **компас**. *Командирникига ўхшаб қибланамонг борми*? Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳорунбек қуёшга қарар, ундан сўнг пешмат ёнидаги қибланамони олиб, кафтига қўяди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Энди мендан кетди ихтиёр! Юрагимни қўйиб кафтимга, Шивирлайман бесабр, такрор: Қибланамом, йўл кўрсат менга.* У. Азим.

ҚИДИРИШ 1 Қидирмоқ фл. ҳар. н. *Йўқолган нарсани қидириш.* ▬ *Ота ўз ўйлари билан, бола эса отаси чеҳрасидаги ғамгинлик сабабларини қидириш билан машғул эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *айн.* **қидирув.** *Геологик қидиришлар. Жиноят-қидириш ишлари.*

3 *кам қўлл. айн.* **изланиш.** *Менинг барча ижодий қидиришларим, уринишларим, мушкулотларимни бу шоир ҳал этди.* Ойбек, Нур қидириб.

ҚИДИРИШМОҚ Қидирмоқ фл. бирг. н. *Туғилган кунимда дадам билан бувим ном қидиришиб, ахир Адолат қўйишибди.* Ғ. Расул, Адолат. *Улар бир-бирларининг кўзидан маъно қидиришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИДИРМОҚ 1 Топиш учун уринмоқ, топишга ҳаракат қилмоқ; ахтармоқ, изламоқ. *Йўқолган китобни қидирмоқ. Дўстини қидирмоқ.* ▬ *Ҳаёт шохларга тикилиб қаради. У овоз эгасини таниган, таниганини қидира бошлаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қутбиддин тўхтаб, шу атрофда тунаб қолишга ярайдиган жой қидира бошлади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳури.. гапни чўзиш учун ҳовлиқиб, мавзу қидира бошлади.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 Қидириш, излаш ишлари олиб бормоқ, тадқиқ этмоқ. *Янги конлар қидирмоқ. Космосни забт этиш йўлларини қидирмоқ.*

3 Топиш, эришиш ўй-хаёлида, иштиёқида, йўлида бўлмоқ. *Бахт қидирибсанми, уни фақат меҳнатдан топасан.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳалиги мен айтган ўртоғимнинг ота-оналари.. орзу-ҳавас қидириб, бечора қизларини қаритиб қўйдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *шв.* Сайр-саёҳат қилмоқ. *Сайр этиб-қидириб, дунёни кезиб, Сўз айтиб, Москвада юрган Жамбулдир.* Фозил Йўлдош ўғли.

Из қидирмоқ *айн.* **изига тушмоқ 2, 3**. *қ.* **из.** *Кампир из қидириб, боғма-боғ бориб, баланд девор олдида тўхтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Тирноқ остидан кир қидирмоқ** *қ.* **тирноқ**.

ҚИДИРУВ 1 Қидирмоқ фл. ҳар. н.

2 Қидириш иши. *Археологик қидирув. Геологик қидирув.* ▬ *..қидирув отряди қийинчиликларга дуч келар, биронта жасадни топишолмасди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қидирув давомида мўмиёйи аслга тоғда яшовчи ҳайвонлар, қушлар ва ҳаттоки айрим ҳашаротлар ҳам уч бўлиши аниқланди.* А. Шокиров, З. Ҳакимов, Мўмиёйи асл.

3 *ҳуқ.* Судгача дастлабки тергов: жиноятга доир қўшимча далиллар тўплаш. *Жиноят-қидирув бўлими.*

ҚИЁ 1 *айн.* **қия.** *..қоронғи тушишига яқинлашганликдан, қиё ёпилиб турган дарбозани кимдир ичкаридан зичлаб ёпди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *айн.* **қиялик, қия.** *Тоғ оралаб юрар эмиш Ўтиб қиру қиёдан.* Т. Тўла. *Қиё тепасида бир йигит турар — Кенг водий устида ўйчан боқиши.* Миртемир.

Қиё боқмоқ (*ёки* **қарамоқ)** *айн.* **қия қарамоқ (***ёки* **боқмоқ)** *қ.* **қия.**

ҚИЁЛАМОҚ *кт. айн.* **қияламоқ.** *Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди.* Чархий.

ҚИЁМ I [*а.* قيام — тик туриш, қойим туриш; жўнаб кетиш; мавжудлик] **1** Қуёш тикка кўтарилган пайт, туш пайти; пешин. *Қиёмда чопиқчилар дам олгани чиқишди. Кун қиёмдан оғди.* ▬ *Қиём вақтида бир қанча болалар «тўй келди, тўй келди», деб бақириб-чақириб югуришди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кун қиёмига келиб, пешин намози ўқилгандан кейин кўшкнинг ич-таши жимжит бўлиб қолди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Меъёр, маром. *Шавла қиёмига етиб пишган эди. Алижон иштаҳа билан ҳузур қилиб еди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Фикр баҳсда қиёмига етади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Кетмон деганни бир қиёмда чопади киши..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Охирги нуқта, тамом бўлиш пайти, охири. *Соч олдириш қиёмига етай деганда, саррочлик — эгар-жабдуқ растаси томондан қийғос тўполон овоз кўтарилиб қолди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Тўйлари ғариброқ бошланди-ю, қиёмида қизиб кетди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Канал қурилиши қиёмига ета бошлагач, Андижонга қайтдим.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚИЁМ II **1** Шакарни сувда қайнатиб тайёрланган қуюқ шарбат. *Кампир.. ўнг қўлига дастурхондан бир бурда жиззали нонни олди-да, пиёладаги қиёмга ботирди.* Ибохон, Феруза кўзли исирға.

2 *айн.* **мураббо.** *Олча қиёми. Олма қиёми. Анжир қиёми.*

ҚИЁМАТ [*а.* قيامت — диний эътиқодга кўра, инсонларнинг қайта тирилиш куни; тик туриш; қўзғолон, ғавғо, тўполон] **1** Диний эътиқодларга кўра, гўё бу дунё тугагач, у дунёда ҳамма тирилиб, сўроққа тўпланадиган кун; охират, маҳшар. *Афандим, ким қурбонликка қўй сўйса, қиёмат куни қил кўприкдан ўша қўйни миниб ўтар эмиш, шу ростми?* «Латифалар». *Агарда ҳаққингизни олмасангиз, мен бир кекса одамни қиёматгача қийнаган бўласиз, олинг, иним..* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *кўчма* Қий-чув, тўполон, ур-йиқит; жанжал. *Эрталаб кўча қўққисдан қий-чув,*

қиёмат бўлиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Айланай, сизларнинг қораларингизни кўриши билан: «Раисга Жалил ўлгур етказган. Бўлмаса, нега келяпти?» деб қилди қиёматти, қилди қиёматти.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мана энди нима бўлди. Ҳали эшикдан киришим билан келин қиёмат кўтаради.* Ойдин, Келин ўғил туғибди.

3 *кўчма с.т.* Жуда ажойиб, киши қойил қоладиган. *Қиёмат этик.* ▬ *Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота билан Усмон Юсупов ҳам шу ерда [бош тўғонда] эдилар. Кўп участкалардан одам йиғилган, қиёмат базм бўлди.* Ғ. Ғулом, Ҳамидни эслаб.

Қиёмати қарз *қ.* **қарз 2. Қиёматда** Ҳеч қачон; охиратда, ўлганда. *Қарзингни ундан қиёматда ҳам ололмайсан. Қирқида қўлига соз олган, қиёматда қулоғини бурар.* Мақол. **Қиёматдан қийин** Ниҳоятда қийин, жуда ҳам қийин. *Уни кўндириш қиёматдан қийин.* ▬ *Айниқса, Тўлқиннинг ухлаши қиёматдан қийин, кўзи уйқуда бўлса ҳам, тили тинмайди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҚИЁМАТГАЧА *с.т.* **1** Ўла-ўлгунча, бир умр; абадий. *Энди сендан қиёматгача ажралмайман.*

2 Ҳеч қачон. *Ўт шу бўлса, ошинг қиёматгача ҳам пишмайди.*

ҚИЁМАТЛИ Ажралмас, абадий. *Қиёматли дўст. Қиёматли қўшнилар.* ▬ *Мен сизнинг қиёматли синглингиз бўлай.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сен ҳам бўлгин қиёматли фарзандим.* «Равшан».

ҚИЁМАТ-ҚОЙИМ Қиёмат куни, рўзи қиёмат, маҳшар. *Қиёмат-қойим бўлади, яқинда ҳаммани ер ютади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚИЁС [*а.* قياس – солиштириш, ўхшатиш; андоза, ўлчов] **1** Ўзаро чоғиштириш, солиштириш, таққослаш; муқояса, таққос. *Таржима сифатини аниқлашнинг асосий воситаси қиёсдир.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *У нотиқлик санъатини эринмай ўрганиши, оддий қиёслардан катта хулосалар чиқариш кўникмасини ҳосил қилмоғи лозим.* Газетадан.

2 Ўхшаш, тенг, мисл. *Онамиз кўкрагин йўқдир қиёси, Шундан оқиб чиқар меҳр дарёси.* Ё. Мирзо. *Юртим, сенга шеър битдим бу кун, Қиёсингни топмадим асло.* А. Орипов, Руҳим.

Ўзингдан (ўзимдан) қиёс Бунга ўзинг (ўзим) мисол бўласан (бўламан), ўзингга (менга) қараб хулоса қилавер, мазмунидаги ибора. *Мана, ўзимдан қиёс. Кечагина ҳаммангга кулги бўлиб юрган бир солдат эдим. Мана энди, худога шукур, жир битиб, одам бўлиб қолдик..* О. Ёқубов, Излайман.

ҚИЁСАН [*а.* قياساً – қиёсланган ҳолда, таққослаш асосида] Қиёсий равишда, қиёс билан қараганда; қиёсланганда, нисбатан. *Қиёсан ўрганиш. Қиёсан олганда.* ▬ *Ўрданинг теварак масофасини чамалаб кўрган эдик, шунинг учун ўрданинг қай даража кенг бўлиши ҳам бизга қиёсан маълум.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИЁСИЙ [*а.* قياسي – қиёслашга асосланган, қиёсан] Ўзаро таққослашга, қиёслашга асосланган. *Қиёсий метод. Қиёсий грамматика. Сифатнинг қиёсий даражаси (тлш.).* ▬ *Уларнинг [ёшларнинг] билганлари тахминий ва қиёсий бўлиб, кўпинча тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚИЁСЛАМОҚ Нисбат бермоқ, ўхшатмоқ; ўзаро таққосламоқ. *Ёшликни баҳор фаслига қиёслайдилар..* Газетадан. *Равон йўлдан борарканмиз, бу бепоён даштни беихтиёр шахмат тахтасига қиёслаймиз.* Газетадан. *Бухгалтер корхонанинг ўтмиши ва ҳозирги турмуши, хўжалигини қиёслаб, чўтга сола кетди.* Газетадан.

ҚИЁССИЗ *айн.* **беқиёс.** *Қиёссиз жисмоний куч.* ▬ *Чорвачиликда тенгсиз Фориш ва узумчиликда қиёссиз Боғишамол боғларигача қулоч отган Жиззах вилоятида бугун катта шодиёна.* Газетадан.

ҚИЁТ *тар. этн.* Ўғузлар таркибига кирган қадимий қабилалардан бирининг номи. *Мен тилаб ҳусн, вале шоҳ тилаб аслу насаб, Менга лўли била ҳинду, анга қўнғироту қиёт.* Алишер Навоий.

ҚИЁФА [*а.* قيافه – ташқи кўриниш, юз, афт; қадди-қомат; ўзини тутиш] **1** Ташқи кўриниш, тус. *Шаҳримизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда.* ▬ *Гўё улуғ бир ҳодиса содир бўлиши кутилаётгандек еру кўк тантанали қиёфа олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Замоннинг оёғида Қудрат берган эски чориқ, қўлида ёш боланинг калласидай гурзи.. юзида ғайрат ўти – у шу қиёфада Фарҳодни эсга солади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўша Элгелдимисан, томир? Соб бўлибсан-ку! Бай-бай-бай.. Одамни ҳам шундай аянчли қиёфага солса бўлар экан-да.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Юз ифодаси. *Унинг қиёфасидан хурсанд эканлиги кўринарди.* ▬ *Негадир, ҳамманинг қиёфаси бирдан жиддий тус олган. Анварнинг кўзларида ҳатто қўрқув.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Қиёфамда ранж аломати бўлди шекилли, ҳамхонам дарҳол гапни бошқа томонга буриб юборди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

3 *кўчма* Кишининг маънавий, руҳий ва ахлоқий хусусиятлари, онги, дунёқараши, билим-савияси ва ш.к. мажмуи. *Кишининг маънавий қиёфаси.* ▬ *Ёшларнинг қилаётган ишлари уларнинг қиёфасини белгилаб беради.* Газетадан.

ҚИЁФАЛИ Бирон қиёфада бўлган; кўринишдаги. *..деҳқонларча камтар, содда қиёфали рус йигити кичик сержант эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚИЁФАТ [*а.* قيافت – ташқи кўриниш, юз, афт; қадди-қомат; ўзини тутиш] *кт. кам қўлл. айн.* **қиёфа.** *..қорадорининг хуморгарчилиги қиёфатимга анча тағйир [ўзгариш, бошқача тус олиш] бериб, ҳуснимга путур етказган эди.* Ғайратий, Довдираш. *Уй эгаси Отабекнинг қиёфат ва уст-бошидан савдогарга ўхшатган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИЁФАТЛИ *кт. кам қўлл. айн.* **қиёфали.** *Биз бепоён Ватанимизга тумшуқ суқмоқ орзусини қилган, одам қиёфатли бир махлуққа ўз кучимизни кўрсатмоқчи бўлдик.* А. Умар, Мухтор.

ҚИЁҚ 1 Ингичка, узун-узун кескир баргли кўп йиллик ўт. *Кекса подачи ботқоққа ҳам, юзига урилган кескир қиёқ баргларига ҳам эътибор қилмай, олға интилар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Кўкорол пахтазори ғумай, қиёқ, печак каби ўтлардан тозаланиб бўлаёзди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Баъзи ўт-ўсимликларнинг қиёқ баргига ўхшаш, кескир барги. *Майсалар қиёқ чўзиб қолди. Қамишнинг қиёғи қўлни кесиб кетди.* ▬ *Ўқ товуши тинганда, савағичнинг қуриган қиёқлари тўзғиб кетганини кўрди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚИЁҚЗОР Қиёқ босган ер. *Чўл.. қаёққа қараманг, жинғил, ўт-ўлан, қамишу қиёқзор.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚИЗ 1 Балоғат ёшига етмаган аёл. *Қиз бола. Ёш қиз. Ўқувчи қиз.*

2 Хотин жинсига мансуб фарзанд (ўз ота-онасига нисбатан). *Унинг уч ўғил, икки қизи бор. Қиз чиқармоқ. Қиз узатмоқ. Қизи борнинг нози бор.* Мақол. ▬ *Фарзанд ўғилми, қизми – бари бир, ота-онасининг юраги бўлар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Балоғатга етган, аммо ҳали эрга тегмаган аёл; маъсума, бокира. *-Қизми, жувонми, Гулнорми – бари бир, ман дадамнинг ёш хотин олишини хоҳламайман, – деди Салим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қари қиз *қ.* **қари 1.**

4 Қизларга ёки ёш жувонларга нисбатан мурожаатда ишлатилиб, ҳурмат, эркалаш, ўзини яқин олиш сингари маъноларни ифодалайди. *Отга жуда эпчил экансан-ку, қизим! Баракалла-е.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Ёзиб беринг, айланай пошша қиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИЗАЛОҚ Қиз бола, ёш қиз. *Уйимизда яна битта қизалоқ туғилди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *..йўлакда югуриб кетаётган бир қизалоқнинг қўлида гунафша кўриб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИЗАМИҚ Асосан болаларда айрим аъзоларнинг яллиғланиши, баданга қизил тошма тошиши ва иситма билан кечадиган юқумли касаллик. *Онанинг назарида, қизининг юзига қизамиқ тошиб, шабадада сувланиб кетганга ўхшарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Уруш давридаги қизамиқ Асқар отанинг бирйўла уч қизини тутдай тўкиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҚИЗАРИНМОҚ Қизармоқ фл. ўзл. н. *Ҳалима опа қизариниб кулди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *..қизлар гуруҳида ўтирган Нафиса ўрнидан турди, қизариниб, Элчибекка қаради.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҚИЗАРИНҚИРАМОҚ Бир оз қизармоқ, қизаринмоқ. *Адолат.. ўз ҳаракатидан ўзи ўнғайсизланиб кетдими, бир оз қизаринқиради-ю, бирдан кулиб юборди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҚИЗАРИШМОҚ 1 Қизармоқ фл. бирг. н.

2 Сану манга бормоқ; айтишмоқ, аччиқлашмоқ. *Исломхўжа Шерназарбой билан қизаришиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Йўқчилик ўлсин, икковининг ҳам тори таранг, сал нарсага қизаришиб қолади.* «Муштум».

ҚИЗАРМОҚ 1 Қизил ёки шунга яқин тус олмоқ, қизил тусга кирмоқ. *Осмон қизарди. Қулупнай қизара бошлади. Бети совуқдан қизариб кетди. Нон қизариб пишди.* ▬

Жуда чиройли бизнинг боғчамиз, Қизариб қолди гилос, олчамиз. Қ. Ҳикмат. *Шарқ уфқи қон пуркалгандек қизарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Ножўя, номақбул хатти-ҳаракати, қилмиши, айби, камчилиги ва ш.к. учун кимса олдида хижолат тортмоқ, изза ҳолатга тушмоқ. *Модомики мендан гуноҳ содир бўлмади, текширсалар, ҳақиқат олдида ўзлари қизариб қоладилар, шундай эмасми?* Ойбек, Нур қидириб. *Текин томоқ бизларга ёт; Меҳнат билан ширин ҳаёт. Ё эл билан бўлмоқ керак, Ё қизариб ўлмоқ керак.* С. Акбарий.

ҚИЗАРТ(ИР)МОҚ Қизармоқ фл. орт. н. *Товуқни қизартириб пиширмоқ. Ўзлаштирмовчи ўқувчини ўз ўртоқлари олдида қизартирмоқ.* ▬ *Ботаётган қуёшнинг ҳорғин нури рўпарадаги қорни, тоғ чўққисини.. булутни бир лаҳза қизартирди-да, сўнди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Салимни қизартиш яхши эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗДИРГИЧ *тех.* Иситиш, қиздириш учун ишлатиладиган асбоб, мослама, аппарат ва ш.к. *Лампали қиздиргич.*

ҚИЗДИРИЛМОҚ Қиздирмоқ фл. мажҳ. н. *Қиздирилган дазмол. Қиздирилган думба ёғи.* ▬ *Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни кар қилади. Қиздирилган чирмандалар ҳавони янгратади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗДИРМОҚ 1 Қаттиқ иситмоқ, иситиб қайноқ, куядиган ёки куйдирадиган ҳолга келтирмоқ; қизитмоқ. *Дазмолни қиздирмоқ. Тандирни қиздирмоқ. Ёз қуёши ер юзини қиздирмоқда.* ▬ *Ўтнинг ҳарорати Эргашевнинг юзини қиздириб, бурқиб чиқаётган тутун эса нафасини бўғар эди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.

2 Доғ қилмоқ (ёғни, мойни). *Пахта ёғини қиздирмоқ.*

3 Ҳароратини, иситмасини оширмоқ; иситма чиқармоқ. *Безгак аъзойи баданни қақшатиб қиздирмоқда эди.*

4 Қонни юриштирмоқ, қонни юриштириб ортиқ иситмоқ, қизитиб юбормоқ. *Асал кўп ейилса, баданни қиздиради. Одамни пўстин эмас, иш қиздиради.* Мақол.

ҚИЗ-ЖУВОНЛАР Ёш аёллар. *Йигитқизлар, қиз-жувонлар чорвоқларнинг деворларидан сакраб ўтиб, ариқлардан ҳатлаб, югуриб борардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚИЗИЛ 1 Қон рангидаги; қирмизи, алвон. *Қизил муқовали китоб. Қизил кўйлак. Қизил қалам. Қизил олма.* ▬ *Патнисда тўртта кулча, икки бош қизил чиллаки ва бир бош қуш чўқиган қандайдир оқ узум бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қизил ари *айн.* **қовоғари. Қизил гул** 1) қизил рангда очиладиган ҳар қандай гул; 2) атиргулнинг қизил очиладиган алоҳида бир тури. *Ёз гулшани қизил гул, Халқим қилур намойиш.* С. Абдулла; 3) шундай гуллар очилган пайтда ўтказиладиган халқ сайили. **Қизил китоб** Йўқолиб бораётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини қайд қилувчи давлат ҳужжати. *Халқаро қизил китоб. Ўзбекистон қизил китоби.* **Қизил лавлаги** *айн.* **қизилча 1.**

2 *от* Юзнинг, баданнинг шу тусга мойил ранги; қизиллик. *Унинг юзидаги қизилга яна қизил қўшилди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Ширинзабоновнинг юзига қизил югурди.* «Муштум».

3 *кўчма с.т.* Вино. *Сиз ҳар вақт Жамолбой акам билан чўқиштирасиз, бизга жўра бўлинг, қизил ичинг!* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма эск.* Октябрь инқилоби, шўро тузуми, армиясига оидликни билдирадиган сўз сифатида қўлланган. *Қизил армия. Қизил шарқ. Қизил аскар. Қизил тўй. Қизил матбуот. Қизил чойхона. Қизил карвон. Қизил гвардия.*

ҚИЗИЛБОШ I *бот.* Ўрдаклар кенжа оиласининг шўнғувчилар уруғига мансуб ёввойи ўрдак.

ҚИЗИЛБОШ II *тар.* **1** Сафавийлар даврида Озарбайжон ва Шимолий Эрондаги туркий қабилалардан эрон қўшинида хизмат қилган аскар.

2 Ана шу даврда суннийларга қарши диний жангларда қатнашган шиа жангчиларига уларнинг бош кийимларига қараб турклар томонидан берилган ном.

ҚИЗИЛИШТОН Оёғи калта, тумшуғи бақувват ва узун, ўрмонда яшовчи қуш.

ҚИЗИЛЛИК Қизил ранг, тус. *Қоннинг қизиллиги. Шафақнинг қизиллиги.* ▬ *Гулсумнинг юзидан қизиллик қочиб бўзарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гап ким устида кетаётганини билиб, Гулшоднинг юзига қизиллик югурди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ҚИЗИЛМАҒИЗ Юзи тўладан келган ва қизил рангли. *Саман отини йўрғалатиб, қизилмағиз, басавлат бир чол ўтиб кетди.* С.

Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Омонқул амаки айниқса менга маъқул бўлди: қизилмағиз, барваста, юрт кўрган одамлиги кўриниб турибди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҚИЗИЛМИЯ *айн.* **ширинмия.** *Моҳандарон водийсида юлғун.. қизилмия, ажриқ ўсади.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

ҚИЗИЛОЁҚ Сув бўйларида яшайдиган узун оёқли балчиқчи қуш.

ҚИЗИЛУРУҒ Қовунинг эти ва уруғи қизил бўладиган ўртапишар тури. *..думига пичоқ қўйиш билан тарсиллаб, неча бўлакка ажралиб кетадиган қизилуруғ, шакарпалакларни уйиб ташлаганлар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚИЗИЛЧА I *бот.* **1** *шв.* Эти ва барг саваға қизил, овқатга солинадиган лавлаги; қизил лавлаги.

2 Чўлларда ва қуруқ тошлоқли тоғ ёнбағирларида ўсадиган буталар туркуми (тиббиётда қўлланади).

ҚИЗИЛЧА II Баданга қизил тошиши ва иситма билан кечадиган, кўпинча болаларда бўладиган, қизамиққа ўхшаш ўткир юқумли касаллик.

ҚИЗИЛЎНГАЧ Одам ва ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш йўлининг ҳалқум билан меъда ўртасидаги бир қисми (истеъмол қилинган овқат массаси у орқали меъдага йўналади).

ҚИЗИЛҚУЙРУҚ *бот.* Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида ҳамда силосбоп кўкпояси учун ўстириладиган бир йиллик ўтсимон ўсимлик.

ҚИЗИМОҚ 1 Ҳарорати кўтарилмоқ, баланд бўлмоқ; исимоқ (асосан ҳаво ҳарорати ҳақида). *Ҳаво ниҳоятда қизиган, отлар ҳаллослаб терлар..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Эрталабданоқ кун қизий бошлайди-да, чошгоҳга борганда қуёшдан олов ёмғири ёғилади.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.

2 Бирор нарса (олов ва б.) таъсирида тана ҳарорати ошмоқ, кўтарилмоқ (жисм, тана ҳақида). *Бадани қизиди. Тандир қизиди. Темир қизиди.* ▬ *Отабекнинг манглайида турган қўли қизиб кетиб, иккинчи қўлини алмаштиришга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳамма ёқ қум, қизиб, ёниб ётган қум..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *айн.* **қизишмоқ.** [*Содиқ:*] *Қизиб кетган эканман, қаранг, мингбошини ҳам чўзилтирмоқчи эдим-у, бироқ орқадан келиб, қўлимни боғлаганларини билиб қолдим.* Н. Сафаров, Уйғониш.

4 *кўчма* Қизғин тус олмоқ. *Суҳбат қизиди. Мунозара қизиди.* ▬ *У саҳна чеккасига суриб қўйилган парда олдига борганида, концерт қизиб кетган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бу кун чоршанба бўлганидан бозор айниқса қизиган.* Ойбек, Улуғ йўл. *Иш қизиб кетган пайтда қишлоқ томондан кўчани чангитиб келаётган машина кўринди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳозир овнинг авжи қизиган пайти, кўлда ўрдак, қашқалдоқ кўп.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Боши қизиди 1) боши қон тепгандек оғирлашди. *Қоратой бир оз ўйланиб, боши қизиган каби, дўпписини курсига олиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) кайфдан, мастликдан боши оғирлашган ҳолга тушди. *Қодирнинг саломатлигига.. бир неча марта қадаҳ кўтарилди. Қодирнинг боши қизиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Ичи қизимоқ** *айн.* **ичи пишмоқ** *қ.* **ич.** *Сентябрь келишини кутиб, ичи қизиб кетяпти Тошбибининг.* Газетадан. **Қулоғи қизимоқ** *с.т.* Гўё қулоқнинг бир оз қизиши кимса ҳақида бирор гап бўлаётганидан (бўлганидан) белги, хабар беришини қайд этувчи ибора. *Сен ҳақингда ҳам кўп гаплар бўлди, роса қулоғинг қизигандир.* ▬ *Ўзи йўқларнинг ҳам қулоғи қизиб турармиш.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҚИЗИТАЛОҚ Баччаталоқ, лаънати (енгил сўкиш сўзи). *Қизиталоқнинг боласи, аҳволи мушкул демайсан, нуқул қизига тикиласан?!* Н. Фозилов, Дийдор.

ҚИЗИТМОҚ Қизимоқ 1, 2, 4 фл. орт. н. *айн.* **қиздирмоқ.** *Тандирни қизитмоқ. Қуёш тошу қумларни қизитиб юборди. Чилдирмани қизитмоқ. Суҳбатни қизитмоқ.*

ҚИЗИШМОҚ 1 Қизимоқ фл. бирг. н.

2 Ҳарорати бир оз кўтарилмоқ; қизимоқ. *Алимжоннинг юраги тез-тез уриб, бадани қизишди.* К. Раҳим, Шонли авлод. *Меҳмонларга шўрва биланароқ тортилди. Йигитлар «қизишиб» олишгач, келин хонадонига йўл олинди.* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар.

3 Жуда қизиқиб, астойдил берилмоқ. *Даврадагилар қизишиб кетиб, бир-бирларига гап маъқуллашар.. икки гапириб, бир кулишар эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Кетмонни бир меъёрда чопади киши. Ундан кейин, чарчагунингча чопма, айни қизишган*

вақтингда.. дам ол! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Қизиққонликка берилмоқ; тутақмоқ. *Аъзамжон ўжар, сал гапдан қизишиб кетадиганлардан эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қачон, нима масалада гап кетмасин, Бурҳонов раис билан қизишиб ўтирмайди, ётиғи билан тушунтиради.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *-Ўзи нима гап? – чол яна қизишиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗИҚ I **1** Кишини ҳайрон қолдирадиган, ажаблантирадиган. *Табиат жуда қизиқ, ўз саховатини заминнинг барча ерига бирдек инъом этаверади.* Газетадан. *Хаёл.. қизиқ нарса, у ўзининг тутқич бермас қанотларида баъзан кишини узоқ-узоқларга олиб учади.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Қизиқиш уйғотадиган, диққатни тортадиган; қизиқарли. *Қизиқ ҳикоя. Қизиқ эртак. Қизиқ томоша.* ■ *Бунда ҳолдан тойгунча ишлашиб, участканинг умумий геологик схемасини тузишди, баъзи бир қизиқ жойларнинг суратини олишди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Етти-саккиз ёшдаги болалар учун чиллак ўйинидан қизиғи борми?* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 Завқ, кулги қўзғатадиган. *Улар бирбирига гап бермай, аллақандай воқеани гапиришиб келишяпти. Жуда қизиқ жойига келишган бўлса керак, ҳаммалари бирдан хахолаб кулиб юборишди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Кўнгил очадиган, мароқли, қизиқарли. *Базм жуда қизиқ, жуда кўнгилли эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Салимбойвачча] Ўтириш қизиқ, жуда хушчақчақ, базм жуда қийқириқли бўлишини билиб.. саман йўрғани эгарлатиб қўйган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 ўайриоддий, ажаблантирарли, ғалати. *Уни бекордан-бекорга қамаб қўйиши қизиққу!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўзимам қизиқманда.. Шу ёмғирдан қўрқиб, мактабдан қолиб ўтирсам.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бу ўғрилар қизиқ: «Ойда, йилда бир келган меҳмонидан айрилмасин», деб ашула айтади..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Таажжуб, ҳайронликни билдиради. *Қизиқ, бирдан ойим, бояги гаплар эсига тушдими, қовоғини солиб олди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *-Қизиқ, нима қилиб юрибди ярим кечада?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қизиқ, кечагина денгиз эди тинч, Қаърига олмоқда бугун зилзила.* Г. Жўраева, Иқбол.

7 *айн.* **қизиқчи.** *Юсуф(жон) қизиқ. Охун қизиқ.* ■ *Улуғбек ўтказган катта бир тўйда қизиқлар, чолғучилар, аскиячилардан ташқари, бир аёл ашула айтиб.. ҳаммани масту шайдо қилган экан.* К. Яшин, Ҳамза. *Бирдан хон ва раият кулиб юбордилар, бу киши Худоёрнинг энг яхши қизиғи Зокир гов эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚИЗИҚ II **1** Жуда иссиқ пайт, ҳолат; қизиб турган, қизиган. *Қуёш янгигина ботгани учун куннинг қизиғи ҳали қайтмаган эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Тандир каби чўл қизиғида Қизарибсан мисоли ширмон..* Р. Бобожон.

2 Қизғин тус олган, авжига чиққан, қизғин. *Мажлис анча қизиқ бўлди.*

Темирни қизиғида бос *қ.* **темир. Қизиқ устида** Қизишиб турган пайтда. *Аҳмад баҳслашишни яхши кўрарди ва гоҳида қизиқ устида, ўзи сезмаган ҳолда, қалтис гапираверарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *..болангиз бор экан.. Ҳозир қизиқ устида билинмаску, кейин чидолмайсиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қизиғида** 1) авжга чиққан, қизиб кетган пайтида. *Ишнинг айни қизиғида ёмғир қуйиб қолди.* ■ *[Ҳожи хола:] Отам, ўйин қизиғида ютқазишга ютқазиб қўйиб, кейин ўзини урди, пешонасини ёрди, йиғлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) қулай пайтни қўлдан бермай, иссиғида.

ҚИЗИҚАРЛИ 1 Диққат-эътиборни жалб қилиб, қизиқиш уйғотадиган. *Шу куни футбол майдонларида ҳам қизиқарли беллашувлар ўтказилади.* Газетадан. *Суҳбатларни жонли, қизиқарли, турмушдаги фактларга суяниб ўтказиш керак.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Манфаат жиҳатидан ўзига жалб қиладиган. *Боғ чакки эмас, унчалик қизиқарли ҳам эмас, шундайми, Салим ака?* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗИҚИШ 1 Қизиқмоқ фл. ҳар. н. *Ҳатто нима депти закунчи Оқилжон? – қизиқиш билан сўради Тантибойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эртакнамо бу ҳангома қайси мамлакатда, қайси замонда бўлганига ҳурматли журналхонлар қизиқишлари табиий.* «Муштум».

2 Билиш, ўрганиш ва ш.к. га интилиш, ҳавас майли; шахснинг ўзи учун қимматли

ва ёқимли бўлган муайян нарса ва ҳодисага муносабати. *Бердиёровнинг ёшликдаги интилиши, қизиқиши уни ўзи орзу қилган билим чўққиларига етаклади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ота ўғлининг техникага қизиқишини ёшлигиданоқ сезганди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ҚИЗИҚМОҚ 1 Қизиқиш билан эътибор бермоқ, астойдил берилмоқ, берилиб муносабатда бўлмоқ, ҳаракат қилмоқ. -*Овозингни чиқариб ўқи, нима дебди? — Мирзакаримбой ҳам қизиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У шунча қизиқиб кетган эдики, елкасига аста қўйилган қўлни ҳам сезмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Улар ҳар гап сайин, «қалай, сизга маъқулми?» дегандек Элмуродга тикилиб олар, у эса, чой ҳўплаган ҳолда, бу содда мунозарани қизиқиб тинглар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Билиш, ўрганиш, ишлашга майл қўймоқ, ҳавасманд бўлмоқ. *Мен мусиқага қизиқаман.* ▬ *Унинг ўзи ёшликданоқ физикага қизиқар эди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мароқли дарсларнинг кучими, кўпчилик ёшлар математика билан адабиётга қизиқарди.* Газетадан. *Мен энди, дунёдан ўтаёзган бир киши, эндиги мансабларга унча қизиқа олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ҳавас қилиб эргашмоқ, ҳавас қўймоқ; берилмоқ. *Қўқон кетаётган ўртоқларига қизиқиб, борма, деганга кўнмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гапдон, хушчақчақ меҳмонларга қизиқиб, у ҳам майни қониқиб ичган эди, чала ечиниб, тош қотиб ухлади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ҳавас-да.. Болалигимдан овга қизиқаман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИЗИҚСИНМОҚ Маълум даражада қизиқмоқ, қизиққандек бўлмоқ. -*Шоирман денг! — қоровул қизиқсиниб, унга қайта бошдан кўз югуртди.* Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. *Хадичабегим Астрободда рўй берган воқеалар билан қизиқсинди.* Ойбек, Навоий. *Жангчилар комиссарнинг ҳикояларини қизиқсиниб тингламоқда эдилар.* М. Муҳамедов, Машқ.

ҚИЗИҚТИРМОҚ Қизиқмоқ фл. орт. н. *Бу ҳикоя ҳаммани қизиқтириб қўйди. Мусиқага қизиқтирмоқ.* ▬ *Уни ҳозир ўрдак отишдан кўра Жумагулнинг жамоли қизиқтирар.. эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚИЗИҚУВЧАН Ҳар нарсани билишга интиладиган, қизиқадиган; қизиқиш, ҳавас майли кучли. *Инсон табиатан сирли, сеҳрли нарса, ҳодисаларга қизиқувчан бўлади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ҚИЗИҚУВЧАНЛИК Қизиқиш, ҳавас майлига эгалик, эга бўлиш. *Йигитали тиришқоқ, ҳамма нарсага қизиқувчанлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚИЗИҚЧИ 1 Қизиқ ҳаракатлари ва сўзлари билан кишиларни кулдирувчи одам. *Дадаси жуда қизиқчи киши.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Илгари овчилик қилган бир қизиқчи йигит мудирликни қабул қилганди.* С. Аҳмад, Музей.

2 Халқ сайилларида, йиғилишларида томошабинларни кулдирадиган ўйинлар кўрсатувчи артист; масхарабоз. *Қизиқчилар ўйини. Қизиқчилар кийими. Қизиқчи артист.* ▬ *Қишлоқ болалари бу масхарабоз, қизиқчи бола — Кимсаннинг сўзига қотиб кулишдилар.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан. *Ўтмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚИЗИҚЧИЛИК 1 Қизиқчи иши, касби.

2 Қизиқчилар кўрсатадиган ўйин-томоша; ўзбек анъанавий театри тури. *Қизиқчилик кечаси.* ▬ *Унинг асл исми — Наби. Ўзининг ашуласи, чолғуси ва қизиқчилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари уни «гул» — «Набигул» деб атаганлар.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Ҳазил ва шўхликда, ҳар хил ўйинлар ва қизиқчиликда ҳаммани ўзига қаратарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

Қизиқчиликка *ёки* **қизиқчилик учун** Кишиларни кулдириш ёки эрмак учун, ҳазил тариқасида. *Бу ишни қизиқчилик учун қилдим.* ▬ *Келин дарҳақиқат ёш, лекин худди қизиқчиликка семиргандай юм-юмалоқ.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

ҚИЗИҚҚОН 1 Салга жаҳли чиқиб, тутақиб кетадиган, аччиғи тез. *Қизиққон одам.* ▬ *Феъл-атвори жиҳатидан жуда қизиққон, сал нарсага лов этиб.. ингичка овозини баралла қўйиб чийиллайди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 *кам қўлл.* Юрагида ўти бор; серғайрат. *Ўринбой — шижоатли, қизиққон йигит.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҚИЗИҚҚОНЛИ *кам қўлл. айн.* **қизиққон**. *Иним, бизнинг тарафнинг фуқароси андак қизиққонли бўлади.* Ойбек, Навоий.

ҚИЗИҚҚОНЛИК Қизиққон шахсга хос хислат, хатти-ҳаракат. *Қизиққонлик мардга эмас муносиб.* Ж. Жабборов. *Бу гўзаллик кибр ёки совуқликни эмас, балки ғайрат ва қизиққонликни тақозо қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚИЗИҒАР *сўк.* Енгил койишни ифодалайди. *Қизиғарларнинг кўзини очиш керак, батракларнинг ҳам одам эканлигини билиб қўйсинлар.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҚИЗКЎРАР *этн.* Унашиш олдидан совчиларнинг қизни кўриш маросими.

ҚИЗЛИ Қизи бор, қизи бўлган. *Қизли уй.* ▬ *Бу тўй ўғиллининг ўғлидан, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади?* «Алпомиш».

ҚИЗЛИК Қиз фарзандлик. *У сизга қизлик қилмайди.*

2 Аёлларнинг ёшлик чоғи ва шу чоқдаги ҳолати. *У қизлигида жуда чиройли эди.* ▬ *Фазлиддин Нури қизлик чоғида ўз хаёлида чизган.. йигитларга сира ўхшамас эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Иффат, маъсумалик, бокиралик. *Қизлигини йўқотмоқ.* ▬ *Офтоб ойимнинг: -Нега қирқ кокил қилмайсан? — деб сўрашига: -Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди, — деб кулди [Кумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Бокира қизларга хос. *Бу унинг бояги айтган гапига қизлик иффати билан қайтарилган жавоб эканини тушунди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ой нури қизнинг сочларида, юзида жим-жим ўйнар, қизлик латофатига сирли ва сеҳрли бир нима бағишлар эди.* «Шарқ юлдузи».

ҚИЗОШИ *этн.* Никоҳ тўйидан бир кун олдин қизнинг уйида дугоналари учун бериладиган зиёфат.

ҚИЗТАЛОҚ *айн.* **қизиталоқ.** *Оббо қизталоқ, шайтоннинг домласи экан-а!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЗУВЧАН 1 Тез қизийдиган. *Мис қизувчан металлардан биридир.*

2 *кўчма кам қўлл.* Салга аччиғи келадиган; жаҳли тез, қизиққон.

ҚИЗЧА 1 Қиз 1, 2 с. кичр.-эркл.

2 Ёш қизларга мурожаат шакли.

ҚИЗЧИҚАРАР *этн.* Никоҳ тўйи, қизни турмушга узатиш. *Эсласам, шунда ҳам қизчиқарар тўйга борувдик.* Газетадан.

ҚИЗҚУШ Балчиқчилар туркумига мансуб, жиғали ботқоқ қуши; қизғиш.

ҚИЗҒАЛДОҚ *айн.* **лолақизғалдоқ**. *Алвон қизғалдоқлар билан қопланган тепалик шафақдай қизарган, аллақаерда тўрғай фарёд соларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИЗҒАНМОҚ 1 Бирор нарсани сарфлашга ёки бировга беришга оғринмоқ, эсиз деб билмоқ, ҳайф кўрмоқ, аямоқ. *Айрон сўраб келгандан челагингни ҳам қизғанма.* Мақол. ▬ *Эшонни қандайдир пул қизиқтираётганини, қори эса сир бой бермагани ҳолда, ўша пулни қизғанаётганини Элмурод сезиб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ачинмоқ, раҳми келмоқ. *Қизған, она, ўксизни, Ўша қутқазди бизни.* Ҳ. Олимжон. *Йигит кўзларидаги алам ва фироқни кўрган Искандаро уни қаттиқ қизғанди.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Бекор кетмаслик ҳаракатини қилмоқ, ҳайф бўлмасликни ўйламоқ. *Бугун ҳеч қаерга бормадим — ишимни қизғандим.* ▬ *Муҳиддин бирон жойга кириб, тамадди қилиб олишни ўйласа, поездга кеч қолаётган киши сингари вақтни қизғанарди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 *с.т.* Рашк қилмоқ. *-Абдуваҳобнинг турқини худо кўтарсин, ундан хотин қизғанадиган ўрни йўқ. Уни номаҳрам деб бўлмайди, одам эмас — қул, — дейишарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Умар Гулсунни Элмуроддан қизғаниб, ичи ўртаниб келган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Ўзига тегишли нарсага (мас., боласига) тегиниш, дахл этишга йўл қўймаслик ҳолатида бўлмоқ, шундай хусусият (одат)га эга бўлмоқ (асосан, жониворлар ҳақида). *Совлиқ боласини қизғаниб, уларга ёвқараш қиларди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ҚИЗҒАНЧ *кам қўлл.* Қизғаниш ҳистуйғуси; рашк, ҳасад. *Ҳамдамформа қизғанчҳасад билан тўлиб-тоша бошлаган кўнглини юпата бошлади..* С. Айний, Қуллар. *Бу сўз Элмуроднинг кўнглидаги қизғанч чўғини босган кулни учириб юборди..* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚИЗҒАНЧИҚ 1 Нарсасини бировдан аяйдиган; бахил. *Қизғанчиқ бола.* ▬ *Новда керак десам, ўзимизга керак, помидор бой-*

лаймиз, дейди. Қизғанчиқ! Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳали айтганимдай, отам қанчалик сахий бўлса, онам шунчалик қизғанчиқ.* «Муштум».

2 Рашкчи; ҳасадчи.

ҚИЗҒАНЧИҚЛИҚ Қизғаниш иши, одати. *Қизғанчиқлик бахилнинг иши.* ▬ *Озиқ-овқат тахчил бўлишига қарамай, табиатимда қизғанчиқлик йўқ эди.* С. Исҳоқов, Олам гўзал.

ҚИЗҒАНЧОҚ *шв.* Қизғанчиқ.

ҚИЗҒАР *с.т.* Қизиғар.

ҚИЗҒИМТИР *айн.* **қизғиш 1**.

ҚИЗҒИН 1 Қизиб турган, қизиган; ҳароратли, иссиқ; қайноқ. *Саратоннинг қизғин қуёши.* ▬ *Қизғин қум.. остидан янгигина келтирилган тўрт дона кўмач иштаҳаларни ўзига тортар эди.* С. Айний, Қуллар. *Собир юзини унинг ўтдай қизғин юзига сал тегизиб, шивирлади.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 Жўш ўрган, жўшга келган; авжига чиққан; жонли, жўшқин. *Қизғин иш. Қизғин кураш. Қизғин суҳбат. Қизғин мунозара. Ғўза парваришининг қизғин палласи. Ўримйиғим қизғин давом этмоқда.* ▬ *Ҳозир пахта учун кураш янада қизғин тус олди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Чинакамига ва кучли тарзда, чин дилдан. *Қизғин салом. Қизғин табриклар.* ▬ *Биз кексаларнинг орзу-истакларини қизғин қувватлаймиз.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Эр-хотин бир-бирларини ҳеч қачон ўша кундагидай қизғин суймаган бўлсалар керак.* Э. Аъзамов, Жавоб.

ҚИЗҒИНЛАШМОҚ Қизғин тус олмоқ. *Иш қизғинлашди. Мунозара қизғинлашмоқда. Кураш қизғинлашди.* ▬ *Ерислоҳоти тўғрисида сўз қизғинлашган сайин унинг боши ёстиққа яқинлаша берди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИЗҒИНЛИК Қизғин ҳолат. *Ишнинг қизғинлиги. Тортишувларнинг қизғинлиги.* ▬ *-Ҳақиқат, синалган ҳақиқат! — деди Ўктам қизғинлик билан.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Хоразмнинг саноат корхоналарида меҳнат қизғинлиги даладан қолишмайди.* «Саодат».

ҚИЗҒИШ I Қизилга мойил, қизилга яқин рангдаги; қизғимтир. *Қизғиш тош. Қизғиш япроқлар.* ▬ *Уфқ қизғиш тусга кириб, тонг ёришарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Куз ўрмоннинг ювилган, тоза сарғиш-қизғиш олтинини ёлқинлатди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚИЗҒИШ II *айн.* **қизқуш**.

ҚИЙ I Қўй, эчки ёки туя қумалоғидан иборат гўнг қатлами. *Бир жойда хазина кўрганман.. Уч-тўрт йиллик қўй қийи босилиб ётибди.* С. Нуров, Нарвон.

ҚИЙ II *такл. с.* Баъзи қушлар чиқарадиган товушни билдиради. *Қашқа томондан инидан безовта қилинган сақоқушнинг «қий-қий»и эшитилди.* С. Нуров, Нарвон.

ҚИЙИЛЛАМОҚ Ингичка қичқириқ овоз чиқармоқ, чийилламоқ. *Мирзачўлга кеккайиб келиб, қийиллаб қочган бунақа жўжахўрозларни кўп кўрганман.* А. Қаҳҳор, Янги ер.

ҚИЙИЛМОҚ 1 Қиймоқ 1, 3-6 фл. мажҳ. н. *Ой юзлар, қаламдай қийилган қошлар, Шерсифат, мардона, шўх барно қизлар.* С. Жўра.

2 Қиймоқ 2, 6 фл. ўзл. н. *Кўлим қийилиб кетди.*

Қирчинингдан қийилгур *қ.* **қирчин.**

ҚИЙИН 1 Қийинчилик билан амалга ошадиган, кўп куч, меҳнат ва ш.к. талаб қиладиган; сермашаққат, машаққатли; *зид.* **осон**. *Қийин иш. Қийин масала. Қийин вазифа.* ▬ *Санъат турларининг ичида энг қийини — рассомчилик.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мулла Фазлиддин ёш подшоҳнинг амри билан Буратоғнинг чиқиш қийин бўлган хушманзара бир қоятоши устига кичкина ҳужра қурган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Оғирчилик, қийинчилик билан боғлиқ бўлган; оғир, мушкул. *Қийин шароит. Қийин аҳвол.* ▬ *Қараб ўтирсак — уят бўлади, халқ.. қийин кунимда асқатмади, дейди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мусофирчилик қийин, бола-чақани соғинади киши.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Бола фақирга қийин бўлди, — деди Жонизоқ оқсоқол Ойсулув сузиб келган овқатни еяётиб.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кесим взф.* Маҳол, амримаҳол. *Қоронғида ким эканини билиш қийин. Касалнинг келиши осон, кетиши қийин.* Мақол. ▬ *У замонда, ўғлим, бизга ўхшаган одамларнинг тўрт танга орттириши қийин эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бунинг устига, суяги меҳнатда қотган аёлнинг нозик қомат, хипча бел бўлиши қийин албатта.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Дудуқ одамнинг гапириши қийин, аммо унинг гапини тушуниш ундан ҳам қийин.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 *кам қўлл. айн.* **қийинчилик.** *Қизники қийин билан битар, Ўғилники ўйин билан битар.* Мақол.

ҚИЙИНДИ Газмол, чарм, тунука ва ш.к. нарсани қийиб ишлашда ҳосил бўлган чиқинди, қийқим, қийқинди.

ҚИЙИНЛАШМОҚ Қийин ҳолга келмоқ, қийин бўлмоқ; оғирлашмоқ. *Чўққига чиқиш тобора қийинлашмоқда. Иш қийинлашди.* ▬ *Далаларни бир меъёрда сув билан таъминлаш йилдан-йилга қийинлашиб боряпти.* Газетадан. *Қанча ичкари кириб борган сари юриш қийинлашарди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ҚИЙИНЛИК 1 Қийин ҳолат, қийин эканлик. *Ишнинг қийинлиги. Масаланинг қийинлиги.* ▬ *Қийинлиги билан неча пуллик ишим бор.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. [*Нор*:] *Сизнинг муддаонгиз бошқа нарсада. Бўлмаса, сизга бунинг ҳеч қийинлик жойи йўқ.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 *айн.* **қийинчилик.** *Бектемир йўлда учраган қийинликларни унутди.* Ойбек, Қуёш қораймас. [*Тожибой:*] *Сизларнинг уйларингиз печать бўлиб, кўп қийинликлар тортишди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚИЙИНЧИЛИК 1 Умуман, қийналиш, қийноқ келтирадиган (туғдирадиган) ҳолат; қийинлик. *Яраланган Қодир қийинчилик билан ўрнидан турди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Дастлаб, отангга бор, онангга бор, қабилидаги бирмунча қийинчиликлар содир бўлган эса-да, кейинчалик ишлар юришиб кетди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *[Йўлчи] Қоратойга йўлиқди, қийинчилик билан бир аравани байлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ишга халал берадиган, уни қийинлаштирадиган нарса ёки ҳолат; монелик, тўсиқ, ғов, қийинлик. *Унгур.. ичкарилашган сари қийинчиликлар туғдириб борди. Уч қулоч илгарилаш билан унгур ичи анча қоронғилашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Улар ўзларининг кучли иродалари, курашлари билан ўз йўлларида тўғоноқ бўлган қийинчиликларни енгиб ўта оладиган кишилардир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Машаққат; азоб-уқубат. *У отасидан йигирма ёшда қолиб, укаларини қийинчилик билан боққан.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қанчадан-қанча қийинчиликлар билан уни ўқитиб, олий маълумот олишига имкон берган ота-онасидан умр бўйи миннатдор бўлиб яшади.* «Саодат».

4 Оғир моддий аҳвол, қаттиқчилик, оғирчилик. *Қийинчилик билан ўсган бола.* ▬ *Ҳаммаларининг гаплари, айланиб келиб, тобора авж олаётган қимматчилик ва қийинчилик устида тўхталар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚИЙИНЧИЛИКСИЗ 1 Қийинчилиги йўқ. *Қийинчиликсиз иш борми.*

2 Қийналмай, қийинчилик кўрмай. *Мунисхон доим ғолиб келадиган отига ҳеч қийинчиликсиз миниб олган эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Автобус, троллейбус, трамвайлар мунтазам ишлаб турган вақтдагина йўловчи ишхонасига қийинчиликсиз, кайфияти чоғ ҳолда етиб келади.* Газетадан.

ҚИЙИН-ҚИСТОВ Ҳаддан зиёд қисташ, шошилтириш, ҳоли-жонига қўймай ундаш ёки талаб қилиш. *Бир йил ўтгандан кейин у, Собирнинг қийин-қистови билан, Адҳамни судга чақиртирди.* Ҳ. Зиёхонова, Унутилмас хатолар. *Бунчалик қийин-қистовга олиб ишлашларидан янги пахта териш машинаси битиб қолай деганга ўхшайди.* Газетадан.

ҚИЙИН-ҚИСТОҚ *айн.* **қийин-қистов.** *Салимжон, болани баҳона қилиб, ҳар куни «ишингдан бўша», деб хотинини қийин-қистоққа олаверди.* А. Муҳиддин, Давлат қуроловчиси.

ҚИЙИШМОҚ 1 Қиймоқ фл. бирг. н.

2 Нархни ўз фойдасига ошириш ёки камайтириш учун талашмоқ, тортишмоқ, савдолашмоқ. *Мутавалли қийиша-қийиша, Алёнкани ҳам ўттиз тиллага сотиб олди.* М. Осим, Элчилар. *У, Зумраднинг таърифини эшитган ҳамон, шоҳи ва ипакларни кўтариб келди ва эзмаланиб, узоқ қийишиб, бир жуфт қозиқ лунги билан бир гулкўрпа буюриб кетди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҚИЙИҚ I **1** Мато, қоғоз ва ш.к. дан одатда учбурчак шаклда қийиб олинган парча ёки ортиб қолган қийинди, қийқим. *Қоғоз қийиқлари.* ▬ *Дераза ойналарига турли шаклда қийиқ қоғозлар ёпиштирилган.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Бир томони баланд, бир томони паст; қия, қийғоч, қийшиқ. *Йиғилган пулларни яктагининг қийиқ чўнтагига солиб, хайрлашиб жўнади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. [*Кумуш] Айвон устунига суянгач, қора қийиқ*

қошларини чимириб, кўча йўлак томонга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Қисиқ ёки сузук; қисилган ёки сузилган, қийғоч (кўз ҳақида). *Чорбоғнинг қоқ ўртасига қурилган баланд шийпон зиналаридан ўрта ёшли, миқтидан келган, қийиқ кўзли бир киши тушиб келаётган эди.* М. Осим, Ўтрор.

4 *кўчма* Гапга кўнмайдиган, тутган ерини кесадиган; ўжар, қайсар. *Қийиқ бола.* ▬ *Мулла Икром қийиқ одам бўлганиданми ёки касби шуни лозим кўрганиданми, муросага унамади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қийиғимни боғламади — қийиқ экан, Боқсам — кўзи шўху қоши қуюқ экан.* Т. Тўла.

5 *кўчма* Камчилик, нуқсон, хато. *Агаповнинг сени менсимай пичинг қилиб, гапингдан қийиқ топиб ўтириши бежиз бўлмаса керак.* И. Раҳим, Ихлос. *Унинг ҳар бир ишидан қийиқ топишга уринар эди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

Қийиқ гап Бўлмағур, тескари, қинғир гап. *Гарчи кўнглига қийиқ гап келмаган бўлса ҳамки, шундай ёш жувонда ўқиш ўзи учун ғайритабиийдек кўринар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қилдан қийиқ ахтармоқ** (*ёки* **топмоқ**) Тўғри гапдан, ишдан хатолик изламоқ; йўқ жойдан камчилик топишга ҳаракат қилмоқ ёки топмоқ. *Ҳар қайсимиз битта одамча ўлиб-тирилаётган бўлсаг-у, қилдан қийиқ ахтариб, звеномизни тошбақа қилиб, газетага чиқаришса.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ҚИЙИҚ II Одатда белга боғлаш учун атрофига гул тикилган тўртбурчак мато; белбоғ, қийиқча. *Лас қийиқ. Шоҳи қийиқ.* ▬ *[Ғози] Қишда беқасам тўн устидан шоҳи қийиқ боғлар, ёзда эса пилта ёқали оқ яктакни белбоғсиз киярди.* И. Раҳим, Ихлос. *Хадича хола, бундан яқин олти ой бурун келганида, бир қийиқ беҳи олиб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚИЙИҚЛИК I Қийиқ кишига хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Қийиқлигингни ташла.*

ҚИЙИҚЛИК II Қийиқ учун ярайдиган; қийиқбоп. *Қийиқлик шоҳи.*

ҚИЙИҚЧА *айн.* **қийиқ** II. *Шоҳи қийиқча. Қийиқча боғламоқ.* ▬ *Тикиб қўйган қийиқчаю гулдор халтачаларингиз қани?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тўламат мўйлов юпқа лас чопони устидан.. боғланган қийиқчаларга ўнг қўлини тиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИЙМА Чопқи билан чопиб ёки гўштқиймалагичдан ўтказиб майдаланган гўшт. *Ёғли қийма. Гўштни қийма қилмоқ. Овқатга қийма солмоқ. Қийма шўрва.* ▬ *Баковул ичига қийма тиқилган какликларни олиб ўтяпти..* М. Осим, Ўтрор. *Ошпазлар эса, гўштини қийма қилиб, суягини бошқа қилиб қўйган эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ҚИЙМАЛАМОҚ **1** Қийма ҳолига келтирмоқ, қийма қилмоқ. *Ошхонада келин гўшт қиймалаяпти.* С. Нуров, Мушук чиқди.

2 *кўчма* Майда-майда, бурда-бурда қилмоқ. *Қоғозни қиймалаб ташлабди.* ▬ *Ғаффорбой қишлоқни қон қақшатяпти. Ҳалим акамни қўлга тушириб қиймалади.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

3 *кўчма* Пора-пора қилмоқ, эзмоқ, жароҳатламоқ. *Зумраднинг ҳазин овози юракни қиймаларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

4 Қийма солмоқ, қийма қўшмоқ. *Тузук.. овқат сўровди, қиймалаб, қатиқлаб, хўрда қилиб бердим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИЙМАЛИ Қийма солинган. *Қиймали мастава. Қиймали сомса.*

ҚИЙМАТ [*а.* قيمت — бойлик, қимматбаҳо нарса; қадрият; нарх, баҳо; қиймат] **1** *иқт.* Товар нархи.

2 Пулнинг харид қобилияти; муайян бозор нархлари даражасида пул бирлиги ҳисобига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори. *Бинокорлик ишларининг қиймати анча камайтирилди.*

3 *иқт.* Товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати.

4 Савдо-сотиқда: нарх, баҳо. *Молларнинг қиймати.*

5 *кўчма* Киши ёки нарсанинг турмушда тутган ўрни, аҳамияти, қадри. *Отабекнинг.. ёзган хатини ўқиб эшитиш Кумуш учун катта қийматга молик эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 *мат.* Ўзгарувчан миқдорнинг маълум шароитдаги катталиги. *Икснинг қиймати.*

7 Ўлчов асбоблари шкаласининг ҳар бир бўлими ифодалаган катталик.

8 *с.т.* Қиммат. *Бу киши: -Қиймат беҳикмат эмас, арзон беиллат эмас, бунинг тагида бир иллат бордир, сабр қилайлик, — деб ланжлик қилдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚИЙМАТАХТА Гўштни чопиб қийма қилиш учун мосланган тахта ёки кунда. *Ариқ бўйида чўққайиб, қийматахта юваётган Холнисо холанинг юраги орзиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚИЙМАТБАҲО *с.т.* Қимматбаҳо. *..куёв томон.. қийматбаҳо буюмлар билан безатилган хоналарга таклиф этилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЙМАТЛИ 1 *иқт.* Бирор қийматга эга бўлган (*қ.* **қиймат 1**).

2 *с.т. айн.* **қимматли 1, 2**. *Марҳамат, марҳамат, қийматли меҳмон, жуда яхши келдингиз.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

ҚИЙМАТШУНОС [*а. + ф.* قیمتشناس – қийматини, баҳосини, қадрини билувчи] *кам қўлл.* Мол ёки нарсанинг қадр-қимматини яхши биладиган, баҳолай оладиган киши; товаршунос. *Ҳар қадамда бир тўхтаб, қийматшунос сингари, матоларнинг ранги.. ва ҳоказолар ҳақида баҳо бериб турди.* Ойбек, Навоий.

ҚИЙМА-ҚИЙМА: қийма-қийма қилмоқ Майда-майда, бурда-бурда қилмоқ, қиймалаб ташламоқ. *-Қотиллар! – деди Нормат ғазабланиб. – Ушлаб олиб, қийма-қийма қилгим келяпти уларни!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚИЙМОҚ 1 Қайчи билан бўлмоқ, қисмларга ажратмоқ, кесмоқ, қирқмоқ. *Бахмални қиймоқ. Қоғозни қиймоқ. Тунукани қиймоқ.* ▬ *Қайчи олиб, уч, энидан қиясан..* О. Қўчқорбеков.

2 Зич, таранг тортилиш, боғланиш ва ш.к. туфайли тана ёки аъзо ичига ботиб жароҳатламоқ; ўйиб кирмоқ (ип, сим ва ш.к. ҳақида). *Қўлимни сим қийиб юборди.* ▬ *Пақирлар қўлимни қийиб юборай деди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *шв.* Тандан жудо қилмоқ, олмоқ, кесмоқ, чопмоқ, узиб ташламоқ. *Қарчиғайман, душман бошин қияман.* «Алпомиш».

4 *с.т.* Айланма йўлни қўйиб, тиккасига юрмоқ. *Бурилишларда йўлни қийиб ўтмоқ.* ▬ *Неча тоғнинг тумшуғин Қийиб ўтиб боради.* «Равшан».

5 *кўчма с.т.* Усталик билан бажармоқ, моҳирлик билан адо қилмоқ, қойил қилмоқ, ўринлатмоқ, дўндирмоқ, бопламоқ. *[Машрабжон] Хушовоз йигит-а. Ашулани роса қияди-да.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук. *Роса овози бор экан-да, йўлини ҳам қияр экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оббо Жўравой-е, аммо-лекин гапни қиясиз. Ёлғонни ҳам ростдай қилиб гапирасиз.* Уйғун, Ҳуррият.

6 *кўчма кам қўлл.* Камайтирмоқ, қисман нобуд қилмоқ, йўқ қилмоқ. *Бировнинг ризқини қиймоқ.* ▬ *Саидий бунга ишонмаса ҳам, Мунисхоннинг шу ҳаракати унинг умридан катта қийди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Кўзи қиймайди (*т.к., ж.к. билан*) 1) ажралишга, ташлаб, қолдириб кетишга кўнгли, розилиги бўлмайди. *Сизни кўзим қиймайди, сиздан узоқлашгим келмайди, Гулнор!* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бировга беришга, воз кечишга, баҳридан ўтишга кўнгли, розилиги бўлмайди. *Яккахўжаликларнинг кўпи бисотида бор жониворлардан кўзи қийганини сўйиб, кўзи қиймаганини шаҳарга ҳайдай бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) ачинди, юраги ачишди, раҳми келди, аяди. *Бечора Нодира оғир ҳолда Анварни кишига шогирд бериб, ўқишини зое қилишга кўзи қиймади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Сўзини қиймоқ** Сўзини ерда қолдирмоқ, қайтармоқ. *Менга иш буюринг. Камол аканинг сўзини қиймай, бир соатга вақт топиб келдим.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. **Қиймади** Рағбати бўлмади, аяди. *Ширвоннинг барча катталари, подшога яқинлари – бариси Равшанбекни дорга осмоққа қиймадилар.* «Равшан». *Кетар эдим сен билан Айланайин, ёр-ёр. Уйда қолган онамни Қиёлмадим, ёр-ёр.* «Қўшиқлар».

ҚИЙНАЛИШ 1 Қийналмоқ фл. ҳар. н.

2 Қийинчилик, муҳтожлик. *Моддий жиҳатдан қийналиш. Қийналиш нима эканини билмаслик.*

3 *айн.* **қийноқ 1.** *Оҳудек эркин югуриб юрган қиз биринчи бор ҳуқуқсизлик ва қийналиш исканжасида қолган..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚИЙНАЛМОҚ 1 Қийнамоқ фл. ўзл. н. *Оғриқдан қийналмоқ. Ташналикдан қийналмоқ. Тепаликка чиқишда кўп қийналдик. Масалани ечишда қийналмоқ.* ▬ *Қиз тўғри ўша ерга келиб чўккалади. У ҳансирар, қийналиб нафас олаётгани билиниб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отабек боши берк кўчада қолгандек бўлди, жавобига қийналди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *с.т.* Бирор жиҳатдан сиқилмоқ, муҳтожлик, қийинчилик сезмоқ. *Сувдан қий-*

налдик. Пулдан қийналмоқ. ▬ *[Йўлчи] Тутилиб қолмас-а, калласи жойида; тегирмонга тушса, бутун чиқадиганлардан у. Лекин овқатдан қийналади-да, мендан баттар чақасиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЙНАМОҚ 1 Жисман ёки руҳан озор бермоқ, азият етказмоқ, азоб-уқубатга, қийин аҳволга солмоқ. *Тиш оғриғи мени қийнаяпти. Уни ташналик қийнаяпти.* ▬ *Анвар қийнамай, озор бермай, захасиз капалак тутиб келганларга сабоғини ўқитиб қўйиш билан мукофот берар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Комила оқсаб қолди, уни баланд пошнали, қошиқдай ихчам туфлиси қийнар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Нимага индамайсиз, Ҳаётхон? Гапиринг, ё мени қийнагани чиққанмидингиз?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қудам икковимиз басма-басига орзу-ҳавас деб, болаларни қийнаб қўйибмиз.* «Муштум».

2 *с.т.* Бирор жиҳатдан чекламоқ, қисмоқ, муҳтож қилмоқ, зориқтирмоқ. *Овқатдан қийнамоқ. Пулдан қийнамоқ.*

3 Махсус усуллар билан азоб бермоқ, азобламоқ, қийноққа солмоқ. *Қийнаб сўроқ қилмоқ.* ▬ *Босқинчилар унга сира тиним бермай урмоқда ва қийнамоқда эдилар.* Газетадан. *Фашистлар Ҳасановдан ўзлари учун керак бўлган маълумотларни сўраб, қийнай бошладилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҚИЙНАШ 1 Қийнамоқ фл. ҳар. н. *Кўп савол бериб қийнаш.*

2 *айн.* **қийноқ 2.** *..Ғаффор отага юборилган хатни шунча қийнашлар билан ҳам бермадинг.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚИЙНОВ 1 *кам қўлл.* **Қийнамоқ** фл. ҳар. н.

2 *айн.* **қийноқ 2**. *Маҳбуслар қийновдангина эмас, очликдан ҳам ҳалок бўлардилар.* Газетадан.

ҚИЙНОҚ 1 Жисмоний ёки руҳий азоб, азият, озор. *Атрофда ғув-ғув пашша; оёқларга ёпишади, бурун катакларига суқилади, қулоқни узади.. бир зум тинчлик йўқ. Йўлчи соч олдириб бўлгунча, қийноқ ичида тоқатсизланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Руҳий азоб ва мушкул фикрлар қийноғида туннинг қандай ўтганини сезмай қолдим.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Қийнаш, азоблашнинг йўл-усуллари ва уларни қўллаш. *Териси шилиниб, минг азоб билан қийноқда ўлдирилган улуғ шоир.. Насимий хаёлидан ўтди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Айниқса.. ваҳшийларча қийноққа солинганини кўрганда, дод деб, бўш стаканни экранга отди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚИЙНОҚЛИ Қийноққа соладиган; қийнайдиган, азобли. *Ўзи қалбдан азобланар, унинг учун бу гаплар оғир, нақадар қийноқли эди.* Ҳ. Шамс, Оқпадар.

ҚИЙНОҚХОНА Асир, маҳбус ва ш.к. ни қийнаш, қийноққа солиш учун мосланган махсус хона.

ҚИЙНОҚ-ҚИСТОҚ *айн.* **қийин-қистов**. *Фарида индамай ишга отлана бошлади. Онаси қийноқ-қистоққа олаверишдан истиҳола қилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚИЙПАНГЛАМОҚ *айн.* **қийшангламоқ.** *Чол қийпанглабгина унинг олдига борди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ҚИЙПИЧОҚ *айн.* **қирпичоқ**. *[Зуннунов] Раислар билан ҳам қийпичоқ. Унга фақат.. раис Умар ака ёқади.* И. Раҳим, Ихлос. *Энди мен билан ҳам қийпичоқ бўлмоқчимисиз, ўртоқ Муҳамедов?* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҚИЙРАТМОҚ 1 Бир текис йўқ қилмоқ; қирмоқ. *Яйловдаги қўзичоқларни қийратиб юрган бир оч бўрининг қоқ биқинидан уриб қулатган.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Бомбалар кузатилган мўлжалга – газандалар тўпланган жойга тушар.. ёвни қийратар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *[Янги раис] Ишни тиклашдан эмас, йиқитишдан бошлаяпти. Дарахтларни қийратиб юборди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Шилмоқ, шипшийдам қилмоқ, йўқ қилмоқ. *-Бу уруш ўлгур ҳамма ёқни қийратяпти, – деди Рисолат опа Низомжонга.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚИЙРИХОН *шв.* Қийшиқ, қия, эгри. *Яктагини қийрихон ёпинмоқ. Қийрихон қарамоқ.* ▬ *Офатижон бир санам, бошини қийрихон бурган кўйи, дилбар, дилўртар табассум қилиб турарди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ҚИЙТИМ *айн.* **қийиқ** I **1.** *Лутфинисо.. нимчасининг чўнтагидан бир қийтим йўл-йўл шоҳи олди ва Тожибойга узатди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ҚИЙТИҚ 1 Қийқим, қийинди, қийтиқ. *Латта, кимхоб тўн бичдим, Қийтиғи менга тегмади.* М. Алавия.

2 Пайкал, тахта, пол четида қолган бўлтак, туморча (ер ҳақида). *Бу ерда, бир гектарча келадиган шу қийтиқ тепада, ғўза қийғос гуллабди.* Й. Шамшаров, Енгиш.

3 *кўчма с.т.* Чала ёки қинғир иш, камчилик, нуқсон. *Тўғри сўздан нуқсон, қийтиқ топишни касб қилиб олган бу Содиқов ҳеч бир тап тортмай, жамоатчилик юзига оёқ тираб келяпти.* Газетадан.

ҚИЙ-ЧУВ 1 Тартибсиз қаттиқ овозлар, бақириқ-чақириқлар; чуввос. *Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни кар қилади. Қиздирилган чирмандалар ҳавони янгратади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Онахон қий-чув қилиб, сув сачратиб ўйнаётган болаларга яна қаради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қарсак устига қарсак бўлди, қий-чув кўтарилди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Тартибсиз йиғи-сиғи овозлари; уввос. *Аёлларнинг аза тутгандаги қий-чуви, бола туққандаги фиғонлари эшитилиб турадиган пастак уйлар камбағал-қашшоқларнинг бошпаналари эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Атрофни қий-чув, ғала-ғовур босди.* С. Сиёев, Аваз.

ҚИЙЧУВЛАШМОҚ Тартибсиз қийқиришмоқ, қичқиришмоқ, шовқин-сурон кўтармоқ, чуввос солмоқ.

ҚИЙШАЙМОҚ 1 Бирор томонга оғмоқ. *Девор қийшайиб қолибди.* ▬ *Жангчилардан бири йўл бўйида қийшайиб ётган симёғочга тахта қоқиб, кўмир билан ёзиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Сўлғин, сариқ ўт билан қопланган далада қоп-қора иккита танкни кўрди — бири қийшайган, иккинчиси эса тумшуғини ерга қадаган.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ноғорачилар ва чирмандакашлар терлаб-пишиб.. гоҳ қийшайиб, гоҳ кескин силкиниб чаладилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бурилмоқ, ўгирилмоқ. *Сафар бўзчи остона ёнида махдумга қийшайиб қаради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Эгриланмоқ, эгилмоқ, эгри-бугри бўлмоқ; тоб ташламоқ. *Тахта қийшайиб қолибди.*

4 *кўчма с.т.* Нотўғри томонга оғмоқ. *Сизнинг Ёқубжонингиз ҳам, звено бошлиғи бу ёқда қолиб, агрономга қараб қийшайиб кетди-ку.* Б. Раҳмонов, Ҳасад ва муҳаббат. *Шундай пайтда бир-биримизга тиргов бўлмасак, ҳар ким ҳар ёққа қийшайиб, иш ора йўлда қолиб кетади.* С. Маҳкамов, Катта рулда.

5 Асабийликдан табиий ҳолати, шакли ўзгармоқ, бурушмоқ. *Аламдан кўзлари қийшаймоқ.* ▬ *Саидий иш столи ёнига келиб ўлтирганида, юзининг томири тортишиб, башараси қийшайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Элликбошининг лаблари аллақандай ёмон қийшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Араз қилмоқ, тиртаймоқ. *Шу аҳволда пахта ундириб бўладими? Бугун биттаси қийшайса, эртага иккинчиси ноз қилса.* Ойдин, Юрагида ўти бор.

ҚИЙШАНГЛАМОҚ 1 Ярашмайдиган қилиқлар, ҳаракатлар, ноз-ишвалар қилмоқ, қийпангламоқ, жилпангламоқ. *Сорахон.. Саидийга қараб.. бир қийшанглаш билан қўл узатди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *с.т.* Безангламоқ, чўчиб кетмоқ. *Терим машинаси деса, қийшанглайдиган бўлиб қолибсан, бу қилиқ қаёқдан чиқди?* С. Аҳмад, Ҳодивой.

3 *кам қўлл.* Сал қийшайиб юрмоқ, оқсоқланмоқ.

ҚИЙШАНҒИ *салб.* Ярашмайдиган қилиқлар, ҳаракатлар, ноз-ишвалар қиладиган; танноз, серқилиқ. *Қийшанғи аёл.*

ҚИЙШИҚ 1 Тепага йўналиши тўғри эмас, бирор томонга оғган; қийшайган. *Қийшиқ столба. Қийшиқ девор. Қийшиқ чинор.* ▬ *Ўртаси букчайиб кетган стул устидаги қийшиқ шамдонда шам ёниб турарди.* «Саодат». *-Ҳу анови қийшиқ ўсган юлғунни кўряпсизми? — шивирлади у. — Ўшандан сал юқорида.* С. Анорбоев, Оқсой. *Паранжини қийшиқ ёпиниб, кампир кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Паст, баланд ва қийшиқ уйлар орасида режа билан солинган чиройли оқ иморатлар учрар эди.* А. Қаҳҳор, Картина.

2 Йўналиши бирор томонга ёки ҳар икки томонга бурилган; эгри, қинғир. *Тор, қийшиқ кўчалар адашиб қолиб, Илондек ўрмалар паришон тунда.* Х. Даврон, Тунги боғлар. *Янги моделнинг сифати бузилди: бирининг чоки қийшиқ, иккинчисининг дастаги паст.* «Муштум». *..қўлига қийшиқ калтак ушлаган қаландар.. охират кунидан ваъз айтарди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Жойлашиш, туриш ҳолати тўғри, меъёрий эмас. *Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама.* Мақол. *Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин.* Мақол. ▬ *Серсоқол, тўла юзли, бир кўзи қийшиқ киши мулойим товуш билан деди..* Ойбек, Қуёш қораймас.

Сен бирон кўйлакнинг ёқасини қийшиқ қадаб қўйсанг.. жавобгар бўламиз.. А. Қаҳҳор, Асарлар.

4 *кўчма кам қўлл.* Ҳақиқатга тўғри келмайдиган; нотўғри, хато. *Мурзин Элмуроднинг адолатли огоҳлантиришидан қийшиқ хулоса чиқара бошлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚИЙШИҚ-ТУЙШИҚ *шв.* Қинғир-қийшиқ. *Санам кўрсаткич бармоғи билан деразанинг пастки ойнасига қийшиқ-туйшиқ чизиқлар тортди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ҚИЙҚ *тақл. с.* Айрим паррандаларнинг «қийқ»қа ўхшаш овозини билдиради.

ҚИЙҚАНГЛАМОҚ *шв.* Қийшангламоқ, қийпангламоқ. *Кўплар интиқ қилиб бизни, Қийқанглаган шоҳнинг қизи..* «Муродхон».

ҚИЙҚИЛЛАМОҚ «Қийқ-қийқ» товуш чиқармоқ, қийқирмоқ. *Хўроз қийқиллаб қочди.*

ҚИЙҚИМ 1 Қийиб ишланган нарсалар чиқиндиси, қийинди. *Қоғоз қийқимлари.* ▬ *Бу аёлнинг ташаббуси билан электр тикув машиналарига «кўчиб юрувчи линейка» ўрнатилди. Бу — қийқимни камайтиришда муҳим омил бўлди.* Газетадан.

2 Газмолнинг бичиқдан ёки савдодан ортган бўлаги; лахтак.

3 Бир парча, қийтиқ жой. *Қийқим ер.* ▬ *Гектарларнинг тўла бўлишига, карта четларида қийқим ва туморчалар қолдирмасликка катта эътибор берилди.* Газетадан.

ҚИЙҚИНДИ *айн.* **қийқим 1, 2**. *Газмол қийқиндилари.* ▬ *Менинг уйимда ҳар хил қийқиндилар бор, ўшани олиб келаман-да, костюмчалар тикамиз.* Н. Назаров, Замон. *Ёнида турган оқ халтадаги ҳар хил қийқиндилар орасидан рўмолчадек лахтакни олиб, қизига берди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ҚИЙҚИРИШ 1 Қийқирмоқ фл. ҳар. н.

2 *айн.* **қийқириқ**. *Ғазабланган кучукларнинг вовуллаши, томошабинларнинг қийқириши кўкни қоплайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЙҚИРИШМОҚ Қийқирмоқ фл. бирг. н. *Болалар қийқиришиб, қувлашиб ўйнардилар.* ▬ *Ғуломжон ҳар гурзи урганда, тоғ палахса-палахса бўлиб ағдарилар, одамлар қийқиришиб, югуришиб тошишар эмиш.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИЙҚИРИҚ 1 Кучли тарздаги, бетартиб қичқириқ, шовқин, қий-чув. *Фақат ичкаридан мастларнинг қийқириқлари, аллакимнинг бўғиқ алёри эшитилади..* Ҳ. Ғулом, Машъал. *«Арава пойга»нинг гумбури, аравакашларнинг қийқириғи.. билан тўй карвони бораркан..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қўллаб-қувватловчи, олқишловчи ялпи овоз; ҳайқириқ, қичқириқ. *Шодлик қийқириқлари. Тўйчиларнинг қийқириқлари.* ▬ *Залда олқишлар бўрони кўтарилиб, «Яшасин Юсуфжон қизиқ!», «Яшасин ўзбек санъати!» деган қийқириқлар эшитилди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Пуч қийқириққа учмаслик, шов-шувга сабаб бўладиган ғаройиботлар кетидан қувмаслик керак.* Газетадан.

3 Баъзи парранда, қушларнинг «қий» деганга ўхшаш кучли товуши. *Қайси бир унгурдан йиртқич қушнинг қийқириғи эшитилиб, акс садо беради.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Турналарнинг ўйчан қийқириғида мудраган ойдин кечалар бошланди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИЙҚИРМОҚ 1 Томоқдан қаттиқ, баланд овоз чиқармоқ, ҳайқирмоқ, қичқирмоқ. *Халқ кулади, олқишлайди, қийқиради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Заргаров қийқириб кулди, чапак чалди ва бунга ҳам қаноат қилмай, ўрнидан туриб, ўйинга тушди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ишдан қайтган чоғимда Қийқиради ўғилчам.* Ё. Мирзо.

2 *айн.* **қийқилламоқ**.

ҚИЙҚИРОҚ Бўлар-бўлмасга қийқираверадиган, ҳайқираверадиган; бақироқ. *Қийқироқ одам.*

ҚИЙҚИРТИРМОҚ Қийқирмоқ фл. орт. н. *Хўрозни қийқиртириб сўймоқ.* ▬ *Кимдир йўлакда кўринган қизлар ва жувонларни қийқиртириб қувади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИЙҒИЛЛАМОҚ *айн.* **қийқилламоқ.** *Бургут чаппар уриб, қийғиллаганча айланиб келди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ҚИЙҒИР Тумшуғи калта ва қайрилган, асосан унча йирик бўлмаган қуш, паррандаларга овга солинадиган соҳибчангал йиртқич қуш; қирғий. *Ойсулув қийғирнинг чангалидан қутулган каптардай, Сувонжоннинг қучоғидан отилиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қийғир бурун, **қийғирбурун** Қийғир тумшуғига ўхшаш, пастга томон қайрилган бурун. *Салтанатнинг йигити келишган, қийғир бурни чеҳрасига аллақандай жасорат бағишлаган.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

Қийғир қараш қилмоқ Ўқрайиб қарамоқ. *Йўлда кета туриб, Болта акамиз бир қийғир қараш қилиб қўйдилар.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ҚИЙҒОС 1 Ҳаммаси бараварига, ёппасига, шиға. *Чигит қийғос ундириб олинди. Ғўза қийғос шоналади.* ▬ *Нариги қирғоқдаги мевазорларда ўрик, олча, олма, шафтолилар қийғос гуллаб ётибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *..Тангри қачонлардир тилингга эккан Сўзлар гуллаётир қийғос ва қийғос.* Э. Шукур, Ҳамал айвони.

2 Айни, авжи. *Мана, қийғос пишиқчилик, лекин ошхоналарда сабзавотдан таомлар тайёрланмайди.* Газетадан.

3 *шв.* Жиддий равишда, қаттиқ. *Ҳа, айтгандай, бир куни Ҳайдар ҳожи билан қийғос уришди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 *кам қўлл.* Шовқин-сурон, чуввос. *Уйда ҳеч вақт кўрилмаган, ваҳимали бир қийғос кўтарилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўчадан қийғос ва ғовур-ғувур товуш эшитилиб, эр-хотиннинг суҳбатини тўхтатди.* С. Айний, Қуллар.

ҚИЙҒОЧ 1 Қисиқ ёки сузук (кўз ҳақида). *Бели бурма камзулининг ичида баланд кўкси бетоқат тўлқинланиб, қийғоч кўзларида олов ёнарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Кўзини қийғоч қилмоқ Кўзини қисиб ёки сузиб қарамоқ. *-Вой, менга қара, — деди Шодимат, кўзларини қийғоч қилиб, қошини чимириб.* А. Муҳиддин, Ошналар. **Қийғоч қарамоқ (***ёки* **боқмоқ)** *айн.* **қия қарамоқ** (*ёки* **боқмоқ**) *қ.* **қия**. *Муздек сойга тўш уриб, Узоқ учар қалдирғоч. Гоҳ қилиб баланд парвоз, Пастга боқади қийғоч.* Ғайратий.

2 Нафис қия тушган (қош ҳақида). *[Фотограф] Объективни.. хушрўй, қийғоч қош қизга қаратди.* Газетадан.

3 *айн.* **қия, қияма.** *[Ҳасанали] Даричани нариги уйдан қараганда киши кўринмаслик қилиб қийғоч очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Онахон] Икки қўлини пальтосининг қийғоч чўнтагига солиб.. ерга тикилди.* А. Мухтор, Опа-сингилар. *Қоп-қора чайир юзидан, иягидан қийғоч кетган пичоқ изидан, айёр кўзларидан ёш боши билан кўпни кўрганлиги билиниб турарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҚИЛ 1 От ва баъзи бошқа ҳайвонлар думи ёки ёлининг ҳар бир толаси; умуман, жун, соч, мўй ва ш.к. нинг толаси. *От думининг қили. Қил элак. Қил тузоқ. Арғамчига қил қувват.* Мақол. ▬ *Очилнинг от қилидай қайсар, қўнғиртоб сочлари дўппи четидан қайрилиб чиқиб турар.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *с.т. эск.* Мусиқа асбобларининг тебранганда овоз чиқарадиган ипи; тор. *[Гуландомнинг] Бармоқлари дутор қилларида моҳир ўйнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ораларидан қил (ҳам) ўтмайди Ўта сирдош, жуда яқин дўст. *Иккалалари ораларидан қил ўтмайдиган дўст эдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Хамирдан қил суғургандай** *қ.* **хамир. Юрагига** (*ёки* **кўнглига) қил сиғмайди** Кўнгли ғаш, хафа, диққат. *[Холисхон:] Қичқирма, юрагимга қил ҳам сиғмай қолди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Қил (нинг) устида** Жиддий хавф остида; жар, ҳалокат ёқасида. *Операция оғир бўлди. Беморнинг ҳаёти қил устида.* Ж. Саримсоқов, Шифокор. **Қилдан қийиқ ахтармоқ** *қ.* **қийиқ** I **5**. **Қилни қирқ ёрмоқ** (*ёки* **айирмоқ**) 1) синчковлик билан текширмоқ; йўлини, тадбирини, сабаби ва ш.к. ни топмоқ. *Бу ишга бутун шаҳар ҳайрон. Қилни қирққа ёрадиган донолар ҳам бир нарса тўқий олмайдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) турлича ёки ўзи хоҳлаганича талқин қила олмоқ (шариат ҳақида). *Шариат қилни қирққа айиради, деган сўз тўғрига ўхшайди, дўстим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЛВИР Алдам-қалдам, қалб, нопок иш қиладиган; алдамчи, фирибгар, қаллоб. *Бойнинг қилвир тарозибони ҳам минг хил найранглар билан ҳар бир қанор пахтадан бир неча қадоғини уриб қолар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Биласизми, ўша эски, қирпи, қилвир Боймат бунинг ҳам чорасини аллақачон топиб қўйган.* К. Яшин, Ўлим босқинчиларга.

ҚИЛВИРЛИК 1 Қилвир эканлик. *Унинг қилвирлиги ҳаммага маълум.*

2 Алдам-қалдам, қалб иш, хатти-ҳаракат; қаллоблик. *Агар улар [Тешабойлар] бу сирларни ўлиб-тирилиб яшираётган бўлсалар, балки бунда бир қилвирлик бордир?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У пайтлари гўшт комбинатида турфа қилвирликлар билан мўмай даромад топиш одатий ҳол эди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ҚИЛДАЙ 1 Қилга ўхшаш, қилга тенг келадиган.

2 *кўчма* Озгина, кичкина, заррача, қилча. *Буни қаранг: қилдай жони қолибди-ю бу бечоранинг!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИЛДИРМОҚ Қилмоқ фл. орт. н. *Иш қилдирмоқ. Овқат қилдирмоқ. Томоша қилдирмоқ.* ▬ *Гулнор бу ерга келса, Нури ҳар гал бирон юмуш қилдирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЛИЧ 1 Бир тиғли, ғилоф (қин) билан ёнга осиладиган, чопиш, санчиш билан ёвга шикаст етказадаган қурол. *Ўткир қилич. Учи қайрилган қилич. Қилич яланғочламоқ. Қилични қиндан суғурмоқ. Қилич солмоқ. Қилич билан урмоқ.* ▬ *Мудофелар қўлларидаги милтиқ, шашвар, ойболта, қилич ва найзалари билан тизилишиб олдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қилич ўйнатмоқ (*ёки* **кўтармоқ**) Қилич билан таҳдид қилмоқ. *От устида қилич ўйнатган Тўхтасин ўз йигитлари билан босиб киради.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. **Қиличдан ўтказмоқ** (*ёки* **кечирмоқ**) Қилич солиб ўлдирмоқ, қирмоқ. *Паризодни, хонни ҳам, Икки номард жонни ҳам Қиличдан ўтказмоққа.. Ҳозир эди шул замон.* Ҳ. Олимжон. *Ушбу фармонимизни олган он, дарҳол ўн беш ёшдан то етмиш ёшгача бўлган қипчоқ эр зотини қиличдан кечиргайлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қиличидан қон томадиган** *айн.* **қамчисидан қон томадиган** *қ.* **қамчи**. *Бу ерда Шўрога қарши исён чиқариш у ёқда турсин, қиличидан қон томадиган беш-ўнта маслакдош ҳам топилмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Қилич (эркаклар исми).

ҚИЛИЧБОЗ Қилич ишлатишни, қилич билан жанг қилишни яхши биладиган киши. *[Навоий:] Бу қайси Турдибой? Ҳалиги донғи кетган жангчими? [Жалолиддин:] Ҳа, бутун насли жанг майдонида ўтган донгдор қиличбоз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ҚИЛИЧБОЗЛИК 1 Қилич ишлатиш маҳорати, санъати. *Қиличбозликни ўрганмоқ. Қиличбозлик машқи. Қиличбозлик санъати.*

2 Қилич ишлатиб қилинадиган жанг. *Ён томондан бостириб келган бир тўда мўғул аскари Темур Маликка уларнинг саркардаси билан қиличбозлик қилишга халал берди.* М. Осим, Темур Малик.

3 *спрт.* Муайян қоида асосида тиғли спорт қуроллари воситасида яккама-якка ўтказиладиган мусобақа. *1937 йилдан қиличбозлик бўйича жаҳон чемпионати ўтказиб келинади.* «ЎзМЭ».

ҚИЛИЧБОҒ Қилични осиб юриш учун мосланган тасма.

ҚИЛИЧДАЙ, **-дек 1** Қиличга ўхшаган, қилич сингари ярқироқ, ўткир, кескир. *У [Элмурод] беихтиёр осмонга қаради ва денгиздай қорайган осмонда қиличдай ўйнаган прожектор ёғдусини кўриб, кўнгли яйраб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Арра ҳам қиличдеккина экан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 *кўчма* Қадди-қомати келишган; тик, тетик. *Иккала қизимни чиқарганман, бунга [Хожарга] қиличдай бир йигит топиб, ичкуёв қиламан.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Бир ойнинг ичида Алижон илгариги ортиқча гўштларини йўқотиб, қиличдек бўлди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚИЛИШ-ҚИЛМИШ *кам қўлл. айн.* **қилмиш**.

ҚИЛИҚ 1 Кишининг юриш-туришидаги, бошқалар билан муомаласидаги ўзига хос ҳаракатлари, хулқ-атвори. *Қилиғи иссиқ одам. Қилиғи совуқ йигит.* ▬ *Унинг қилиқлари ўзига жуда мос тушар, ҳатто қўли қаттиқлиги ҳам фазилатдек туюларди.* Ф. Мусажонов, Пушаймон. -*Кечирасиз!* — *деди ўз қилиғига уялиб, шолғомдай қизариб кетган Мастонов.* Ғайратий, Йўқлов.

2 ўайритабиий ёки ножўя иш, ҳаракат, одат ва ш.к. *Келишмаган қилиқлар.* ▬ *Зебихон шунақаям қилиқлар қилдики, Турсунбой анграйиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бунақа қилиқ Нишопурий жанобларидан чиқади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фуқароларнинг кечаги қилиғи Султонали ҳожини телба қилиб қўяй деди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Умуман, кишининг одати, расми. -*Ҳали ҳам эски қилиғини қўмсайди. Уйга чақириб, олдига дастурхон ёзмагунча, сув бермайди,* — *деди [Давлатёр].* П. Турсун, Ўқитувчи. *Келди қонли қиличин Кўтариб Туғлиқ. Бу ҳам чиқарди яна Кўп найранг, қилиқ.* Ғайратий.

ҚИЛКЎПРИК 1 *қ.* **пулсирот, сирот.** *Хўш, тақсир, ана энди, борингки, оқ қўчқорга миниб, эсон-омон қилкўприкдан ҳам ўтиб олдик. Хўш, ундан у ёғи жаннатми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Жиддий хавф, ҳалокат. *Шу тобда қилкўприкнинг устида қилтиллаб турибмиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚИЛМИШ 1 Қилинган иш, ҳаракат, фаолият. *Ҳар ким ўз қилмишига қараб топади.* Мақол. ▬ *Терговчи ўз қилмиши билан фахрлангандай, ҳаммага бир-бир қаради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Унинг хафа бўлганини авзойидан, қилмишидан билиб бўлмайди..* Газетадан.

2 Ножўя иш, ҳаракат, қилғилик. *Ўз қилмишига иқрор бўлмоқ.* ▬ *Тоғамнинг қилмишидан номусларга ўлади киши.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Адолатли ҳукм чиқариш, гуноҳкорларни қилмишига яраша тўғри жазолаш.. осон иш эмас.* Газетадан.

Қилмиш-қидирмиш Ҳар ким ўз қилмишига яраша жазоланади, ёмонлик қилган ёмонлик кўради, маъносидаги ибора.

ҚИЛМОҚ 1 Бажо келтирмоқ, бажармоқ, ижро этмоқ, амалга оширмоқ. *Иш қилмоқ. Қиламиз десак иш кўп. Айтганингизнинг ҳаммасини қилдим. Билганингни қил. Қуш уясида кўрганини қилади.* Мақол. ▬ *Қиз томон, гарчанд тўйни бир йил кейин қилиш шарти билан бўлса ҳам, розилик берибди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Баъзи отлар билан бирикиб, шу от англатган нарсани тайёрлаш, ҳозирлаш, пишириш маъносини билдиради. *Хамир қилмоқ. Гувала қилмоқ. Эшик қилмоқ. Пичоқ қилмоқ. Ром қиладиган уста. Ўтин қилмоқ. Нон қилмоқ. Шўрва қилмоқ.*

3 Бирор-бир ишга, лавозимга қўймоқ, белгиламоқ, тайинламоқ, лозим кўрмоқ, танлаб олмоқ. *Вакил қилмоқ. Директор қилмоқ. Бўлим бошлиғи қилмоқ.* ▬ *Қандай вазифа беришни ўзларингга ҳавола қиламиз, лекин ҳосилот кенгашига раис қилсаларинг, куймайсизлар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Биз Ҳомидбойни ўзимизга куёв ўғил қилишдан ҳеч бир монелик кўрмаймиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *ёрд. фл. взф.* Сўз ясаш учун хизмат қилади – от, сифат ва б. туркумга оид сўзлардан турли маъноли феъллар ясайди. *Томоша қилмоқ. Таклиф қилмоқ. Рашк қилмоқ. Эълон қилмоқ. Орзу қилмоқ. Зўрлик қилмоқ. Душманлик қилмоқ. Обод қилмоқ. Шод қилмоқ. Безовта қилмоқ. Саришта қилмоқ. Оҳ-воҳ қилмоқ. Лип-лип қилмоқ. Тақир-туқур қилмоқ.* ▬ *Ўғрилик қилгани учун қўл кесиладир ва ё дорга осиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яна бир марта опалик қилсангиз, деб маслаҳатга келган эдим.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Бўтабойга, колхоз мустаҳкам бўлади, деган гапнинг ўзи кифоя қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор, чироқлари. *Йўғон киши, худди ғозга ўхшаб, «ғат-ғат-ғат» қилиб кулди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Боғлама вазифасида қўлланади. *Ўқитувчилик қилмоқ. Ўғлини муҳандис қилмоқ.* ▬ *Сидиқжон ҳали бузилмаган тўқайнинг нариги томонида аравакашлик қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мансур ҳам ўртоқлари билан шу майдонда футбол ўйнар.. қора кепкасини қошигача бостириб, дарвозабонлик қилар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИЛПАНГЛАМОҚ 1 *айн.* **қийшангламоқ 1, 2**. *[Мунаввар] Бир вақтлар Йўлдош олиб келган шоҳи-атласларни кийиб, тилла болдоқ, ёқут кўзли узукларни тақиб, ўзини кўзгуга солиб, хўп қилпанглаган.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 *айн.* **қилпилламоқ 2**. *Олахўжа махсум камбағалдан кўтарилган бир киши олдида «қариндошим», деб қилпанглашга мажбур эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Пошша хола гавдасига ярашмаган қилиқ билан қилпанглади.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҚИЛПАНҒИ *айн.* **қийшанғи**.

ҚИЛПИЛЛАМОҚ 1 Ноз-ишвали ёки ажиб ҳаракатлар қилмоқ, ликилламоқ, жилпангламоқ. *[Қори:] Унинг ўрнида сиз бўлсангиз-у, кўз олдингизда боши очиқ бир жувон қилпиллаб юрса.. Э, содда экансиз, ука!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Лаганбардорлик қилмоқ, атрофида парвона бўлмоқ.

ҚИЛТ: қилт этмоқ 1) билинар-билинмас қимирламоқ, қўзғалмоқ, қимир этмоқ. *Ҳаво дим.. япроқлар қилт этмасди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. *Саҳро йўли, саҳро табиати, саҳро жазирамаси бошланди. На дов-дарахт, на сув, на қилт этган шабада.* Ҳ. Назир, Газқайнар достони; 2) эшитилар-эшитилмас, кучсиз овоз чиқармоқ, секин шитирламоқ, тиқирламоқ. *Ичкаридан қилт этган товуш эшитилмас, фақат эшик дарзидан узун йўлакнинг ярмигача қинғир чироқ ёруғи тушиб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл. *Баширжон чойдан ҳўплади, оғзини чайгандек қилт этиб ютинди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚИЛТАБ *шв.* Ғилай.

ҚИЛТАНГЛАМОҚ У ён-бу ёнга ташланиб ҳаракатланмоқ, юрмоқ. *Холиқбой ҳас-*

сасига тираниб, қилтанглаганича кичкина кўк дарвозага кириб кетди. С. Зуннунова, Гулхан.

ҚИЛТАНОҚ 1 Балиқнинг игнасимон ингичка, узун суяги. *-Бечоранинг томоғига балиқнинг қилтаноғи тиқилиб қолибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Арпа, шоли ва ш.к. экинлар дон қобиғи учидаги игнасимон узун қилча; қилтириқ, қилтиқ.

3 *шв. айн.* **қилтириқ 2.** *Қизимнинг ишқи, киши қуриб кетгандек, шу қилтаноққа тушгани мени ич-ичимдан еб қўйяпти.* И. Ўктамов, Ҳикоялар.

ҚИЛТИЛЛАМОҚ 1 Аранг қимирламоқ, жонсиз тебраниб турмоқ. *У ғоз бўйнидай ингичка бўйнида қилтиллаб турган бошини дадил ва бақувват тутишга тиришарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳожия хола қилтиллаб келиб, Муҳаббатни бағрига босди.* В. Ғофуров, Вафодор.

2 *кўчма* Аранг жон сақлаб турмоқ. *Шу тобда қилкўприкнинг устида қилтиллаб турибмиз!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Қимирламоқ, қалтирамоқ. *Элгелди турган жойида қилтиллаб кетди, худди ўғридай, ён-берига алanglаб олди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚИЛТИРИҚ 1 *от шв.* Қилтаноқ. *Унинг кўзлари.. буғдой бошоғининг қилтириғи каби узун киприклар орасидан ўзига тикилган чиройли қора кўзлар билан тўқнашди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *сфт.* Жуда ориқ. *Қилтириқ бола.* ▬ *Ашир мастликдан юмила ёзган кўзини йилтиратиб, ҳингир-ҳингир кула бошлади. У кулган сари қилтириқдай бўйнига калласи оғирлик қилиб, дам олдига, дам орқасига оғиб кетарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИЛТИҚ *айн.* **қилтаноқ 1, 2**. *Ботир милтиқсиз бўлмас, Балиқ — қилтиқсиз.* Мақол. ▬ *Буғдойлар ҳали пишмаган, бошоқларнинг қилтиғи энди-энди сарғая бошлабди.* С. Нуров, Тоғдаги дарё.

ҚИЛТОМОҚ *с.т.* **1** Қизилўнгачнинг яра ёки бошқа сабаб билан торайиб, овқат ўтмай қолишидан иборат касалликларнинг умумий номи; ракнинг бир тури. *Эр-хотиннинг кўз ўнгига қўшнилари Жўрабек аканинг қилтомоқдан қийналиб ўлгани келиб, ваҳима тушди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Шундай касаликка дучор бўлган киши.

3 *кўчма* Кам овқат ейдиган, чимхўр одам. *Ҳаёт.. боягидай қилтомоқ бўлиб ўтираверди, тўғриси, бу ноёб бахт унинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эмлашдан кейин, егани баданига юқмайдиган қилтомоқ биродарлари бирдан.. иштаҳага кирган эди.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ҚИЛУҚОЛ, қийлуқол [*а.* قيل وقال — гап-сўз, миш-миш, овозалар] Гап-сўз, гапириш; шовқин-сурон, жанжал-тўполон. *Сен ҳамон раҳм айламас бўлсанг менинг аҳволима, Қатли бедодингдан энди қилуқол айлаб кетай.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚИЛЧА 1 Қил с. кичр.

2 Озгина, кичкина, зарра(ча), қилдай. *Унда қилча айб йўқ. Бу ишда қилча адашмоқ ҳам хавфли.* ▬ *Руҳим пича енгил тортсин, қилча дармоним йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Салимбойвачча, қилча шубҳаланманг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўнгилнинг нозиклиги қилча бўлурми, ҳай-ҳай.* С. Зуннунова.

ҚИЛЧАЛИК *с.т.* Қилча, озгина.

ҚИЛЧИЛВИР Қилдан эшиб тайёрланган ингичка арқон, чилвир. *Кейин эшагимнинг нўхтасига боғланган қилчилвирни оёғим остига босиб, тошга ўтирдим.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ҚИЛҚАЛАМ 1 *айн.* **мўйқалам**.

2 Хушхат одам, хаттот. *Муҳаммад Юсуфжон қилқалам баъзи зарур мактублар, қасидалар, лавҳалар, қимматли қўлёзмаларнинг қалам ҳаққисини Муқимийнинг ўзига бериб, уни бу ишга қизиқтирмоқчи бўлди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ҚИЛҚИЛЛАМОҚ *кам қўлл.* Лиқ-лиқ қилмоқ, лиқилламоқ. *Унинг помидордек оч қизил бағбақаси қилқиллаб турар, кўзлари кулгидан юмилиб кетган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ёш бўлса ҳам, шўх, ўйинчи қиз экан-да, ўйнаса, бутун вужуди симобдек қилқиллайди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ҚИЛҒИЛИК Қилинган, содир этилган ножўя иш, ҳаракат. *Қилғиликни қилиб қўйиб, тағин нега тилингни бир қарич қиласан.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Қилғиликни қилганлар жавобини ҳам берсинлар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚИМИЗ Бия сутидан махсус идишларда бижғитиш йўли билан тайёрланадиган, енгил кайф берувчи, шифобахш ичимлик. *Да-*

ла ҳавоси, қимиз, кўкаламзор — дардимга нақ даво. Ойбек, Танланган асарлар. *Корсондаги қимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИМИЗАК *айн.* **нордон**. *Қимизак олма.*

ҚИМИЗХЎР Қимизни кўп ичадиган, қимизни яхши кўрадиган. *Қимизхўр одам.* ▬ *Чипта соябонли извош тагида бош остига тўқим қўйиб ётган йилқичилар оқ уйдаги қимизхўр бўз болаларнинг шовқинига ухлашолмайди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚИМИЗХЎРЛИК Мириқиб, тўйиб қимиз ичиш. *Тунов куни тоққа қимизхўрликка чиқдим.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз. *Ўтовларда қимизхўрлик қилганимизда, Тўхтағул қўшиқларини жон қулоғим билан тинглаганман.* Ҳ. Нурий, Улуғ оқин.

ҚИМИР: қимир этмоқ Билинар-билинмас, озгина қимирламоқ, қўзғалмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Ўтап ҳар қанча жон куйдириб гапирса ҳам, кўчани қоплаган оломон қимир этмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Раҳим миқ этмай қармоққа кўз тиккан, қармоқ эса қимир этмасди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *От, тўрт оёғи ерга михлангандай, қимир этмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИМИРЛАМОҚ 1 Секин-аста ёки ғимир-ғимир ҳаракат қилмоқ, у ён-бу ён бориб-келиб, силкиниб турмоқ; тебранмоқ. *Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди.* Мақол. ▬ *Қурбон ота чўкка тушган, икки қўли тиззасида, худди сурат олдираётгандай ҳеч қимирламайди.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Шу вақт тахмонга осилган кирпўш ўз-ўзидан қимирлагандай бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Умурзоқ ота ана шу хаёллар билан экан, икки қармоқ бирин-кетин қимирлаб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Жойидан қўзғалмоқ, жилмоқ, силжимоқ, нари кетмоқ. *Шу жойдан қимирлама. Бемор олдида қимирламай ўтирмоқ.* ▬ *«Ғир» этган шамол йўқ, от-арава кўтарган чанг, ҳавода узоқ вақт қимирламай туриб қолар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Иш, ҳаракатда бўлмоқ, чалишмоқ; юрмоқ. *Тезроқ қимирланг, кеч қоляпмиз. Қимирлаган қир ошар.* Мақол. ▬ *Йигирма учта машинамиз бўлса-ю, шундан бор-йўғи тўрттаси қимирласа-я!* «Муштум».

4 Бирор иш-машғулот билан банд бўлмоқ, шу туфайли кун кечирмоқ, тирикчилик қилмоқ. *Раҳматлик бувам ўлганларидан кейин самовар ўзимга қолди. Ёш бўлсам ҳам, чойхонада қимирлаб турибман.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. *Мен ҳам, албатта, тек ўтирмай, кучим етганча қимирлаб турибман. Қурт тутамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Жони бор одам қимирлаб туриши керак — унинг фалсафаси шу.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир. Эски тақалар, темир-терсаклар билан зўрға қимирлаб турибмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қимирлаб қолди 1) қимирлаш ҳолати юз берди (*қ.* **қимирламоқ 1**). *Одамларга жон киргандай, бир-бирларига жилмайиб, қимирлаб қолишди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) ҳаракатга тушмоқ, қўзғалмоқ; иш-фаолиятида жонланиш юз бермоқ. *Нарх-наво қимирлаб қолди.* ▬ *Муз кўчди, ўртоқ Сафаров, ўрта деҳқон қимирлаб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қимирлаган жон** Тан-жони соғ, жони бор ҳар бир одам, инсон зоти. *Қимирлаган жон йўқ эмиш. Беҳиштдай бир олам эмиш.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Кечки куз бободеҳқонни жуда ташвишлантириб қўйди, қимирлаган жонда яхши ташвиш.* Газетадан. *Айниқса, йиғим-терим пайтлари қимирлаган жон борки, далада кўрмаса, кўнгли юпанч топмас эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ҚИМИРЛАТМОҚ Қимирламоқ фл. орт. н. *Столни жойидан қимирлатманг. Бош қимирлатиб саломлашмоқ.* ▬ *Тўнгак ёна бошлабди. Шу вақт тўнгак ичидан бир илон бошини чиқариб қимирлата бошлади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚИМИР-ҚИМИР: **қимир-қимир қилмоқ** *айн.* **ғимир-ғимир қилмоқ** *қ.* **ғимир-ғимир.**

ҚИММАТ [*а.* قيمت — бойлик, қимматбаҳо нарса, қадрият; баҳо; қиймат] **1** Нисбатан ёки меъёр, мўлжалдагидан катта пул турадиган, нархи баланд. *Қиммат мол. Қиммат буюм.* ▬ *Қиммат бўлса ҳам,ноилож олар эдим-а, лекин пулдан ҳемири ортмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шунақа қимматидан олмасдан, газмол олиб келсангиз-ку, бир хил қилиб тикиб берардим..* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Этигингиз қиммат, уста. Биз талабаларнинг қудратимиз етмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Бир пулга (*ёки* **пақирга) қиммат** Ҳеч нарсага арзимайди. *Бир пулга қиммат мато.*

▬ *Бир пақирга қиммат, ўткинчи икир-чикирлар учун жон куйдиради-ю, энг бебаҳо хазинасидан — саломатлигидан жудо бўлаётганини ўйлаб ўтирмайди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. **Қиммат бермоқ** *кам қўлл.* Баҳо бермоқ; баҳоламоқ. *Дарҳақиқат, ўзаро битмас низоларнинг асли маъносини у яхши англаб таҳлил қилар ва дуруст қиммат берар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қимматга тушди** 1) мўлжалланганидан юқори нархга олинди. *Антибиотиклар микроорганизмлардан ҳосил қилиниши сабабли қимматга тушади.* «Фан ва турмуш»; 2) *кўчма* катта сарф-харажат, меҳнат ва ш.к. эвазига амалга ошди, қўлга кирди; зарар келтирди. *Бу жанг бизга қимматга тушди, анча ўт очиш нуқталаримиз қуроллар ва солдатларимиз билан бирга яксон этилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Масъул лавозимдаги ходим етти ўлчаб, бир кесмаса, унинг хатоси қимматга тушиши турган гап.* Газетадан.

2 *айн.* **қимматбаҳо 1**. *Олган совғам олтин узук, қиммат тош эмас.* Ғайратий. *-Сенга ҳам даркор, — деб дурру жавоҳир, қиммат тошлардан берди.* «Нурали».

3 *кўчма* Пулга, ҳеч нарсага сотиб олиб бўлмайдиган; баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз. *Билим давлатдан қиммат.* Мақол. ▬ *Гар дилингда ўйлаган орзуга етмоқ истасанг, Қиммат умринг қилмагил беҳудага бекор, ўқи!* Ҳамза. *Унсин, ҳаммаси ортиқча нарса. Буларнинг ҳаммасидан менга бир эски дўппи қиммат.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Мавқе, аҳамият даражаси. *Камида бир йилга сўз бериб қўйдим. Сўз олтиндан қиммат-ку, ахир!* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Жиддий фикр, чинакам ҳиссиёт, самимият, юксак маҳорат — ана шулар шоирнинг бундан кейинги қимматини белгилаб беради.* «ЎТА».

5 Қиммат (хотин-қизлар исми).

ҚИММАТБАҲО [*а.* + *ф.* قيمتبها — баҳоси, нархи юқори, қиммат] **1** Катта пул турадиган, қиммат баҳога эга, қимматли. *Қимматбаҳо совға. Қимматбаҳо буюм. Қимматбаҳо тошлар.* ▬ *Ҳоким супада ёнбошлаб ётган ерида тўрт бармоғи қимматбаҳо олтин узуклар билан безатилган чўзинчоқ панжасини узатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Самарқанд подшоҳига олтин-кумуш совғалар.. қимматбаҳо саруполар инъом қилдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қимматбаҳо металларга платина, палладий, осмий ва уларнинг бир-бирлари ва бошқа оддий металлар билан ҳосил қилган қотишмалари киради.* «Фан ва турмуш».

Қимматбаҳо (*ёки* **қимматли**) **қоғозлар** Ўз эгасига мулкка эгалик ҳуқуқини ва даромад кўринишида муайян пул суммасини олиш ҳуқуқини берадиган пул ёки товар ҳужжатлари — акция, облигация, аккредитив, вексель, чек ва ш.к. *Ушбу Низом қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартибини белгилади.* Газетадан.

2 *кўчма* Баҳоси йўқ, бебаҳо. *Қимматбаҳо, гавҳарга тенг сўзларингиз ярамга малҳам, дардимга даво бўлди.* «Шарқ юлдузи».

ҚИММАТЛАНМОҚ Нархи, баҳоси ошиб қиммат бўлмоқ. *Домлани бунчалик шоширган нарса.. бинокорлик материаллари кундан-кунга қимматланармикан, деб ўйлаши эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИММАТЛАШМОҚ Тобора қиммат бўлмоқ, нархи, баҳоси ошиб, қиммат бўлиб бормоқ. *Ғарб мамлакатларида санъат асарларининг нархи ҳаддан ташқари қимматлашиб боряпти.* Газетадан.

ҚИММАТЛИ 1 Қиммат турадиган, қимматбаҳо. *Қимматли буюм.* ▬ *Гўнг остидан сандиқ-сандиқ қимматли моллар, той-той газламалар ва бошқа қимматли нарсалар чиқа бошлаган.* С. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз. *Оиладаги осойишталик — ҳар қандай бойликдан қимматлидир.* Газетадан. *Гулнорнинг бир табассуми унинг учун ҳамма нарсадан маъноси, турмушнинг ҳамма завқларидан улуғ ва қимматли эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Кўп фойдали, жуда керакли. *Қимматли маслаҳат. Қимматли фикр. Қимматли маълумотлар.*

ҚИММАТСИЗ Ҳеч нарсага арзимайдиган; қадр-қиммати йўқ, қадрсиз. *Киши.. маданиятнинг ҳамма соҳаларида қимматсиз нарсалар билан қаноатланишга одатланиш билан ўзини ўзи қашшоқлантиради.* Газетадан.

ҚИММАТСИЗЛАНМОҚ *кам қўлл.* **1** Нархи, баҳоси пасайиб, арзон бўлиб қолмоқ, арзонлашмоқ.

2 *кўчма* Қадр-қимматини йўқотмоқ, қадрсизланмоқ.

ҚИММАТСИРАМОҚ Нархини, баҳосини баланд деб билмоқ, қиммат деб ҳисобламоқ. *У пальтони қимматсираб олмади.*

ҚИММАТФУРУШ [*а.* + *ф.* قيمتفروش – қиммат сотувчи] Бошқаларга қараганда баландроқ нарх билан сотувчи савдогар. *Қимматфурушлар гўшт нархини 4000 сўмга, ҳатто 3800 сўмга туширишди.* Газетадан.

ҚИММАТЧИЛИК Нарх-наволар жуда ошиб кетган пайт ёки ҳолат. *Оқподшоҳ ҳаммани қирадиганга ўхшайди. Уруши қурсин! Очлик, қимматчилик.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИМОР [*а.* قمار – гардкам, таваккал ўйин] Пул ёки буюм тикиб ўйналадиган ҳар қандай ўйин. *[Болтахўжа] Кўп баттол йигит эди, баччағар. Тавба! Қиладиган иши бедана уриштириш-у, қимор ўйнаш эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эшон «гардкам», деб ошиқ отадиларми-а? Булар қартада ўйнайди. Бари бир қимор-да, қайтага, бу ёмонроқ*. Ойбек, Танланган асарлар. *-Мени отам сингари дов тикмагани, қиморда ютқазмагани учун миннатдор эдим, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИМОРБОЗ [*а.* + *ф.* قمارباز – қимор ўйновчи] Доим қимор ўйновчи, қиморга берилган одам. *Латиф гардкам қилган қиморбоздай, «шап» этиб кўкрагига урди.* О. Ёқубов, Ларза. *Миршаблар, қоровуллар бостириб келиб.. дўқ қилиб, қиморбозлардан бир неча сўмлаб чўтал ўмариб кетмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚИМОРБОЗЛИК 1 Қиморбоз эканлик. *Унинг қиморбозлигини кўпчилик билади.*

2 Қимор ўйини. *Беданабозлик эски вақтда жуда кўп тарқалган қиморбозликнинг бир тури эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚИМОРХОНА [қимор + хона] Қимор ўйналадиган жой, хона. *Уларнинг бирдан-бир машғулотлари қиморбозлик бўлиб, қиморхоналари ҳам ўз тураржойларида.* С. Айний, Эсдаликлар. *Америкалик мультимиллионер Дональд Трамп қурувчи оиласидан чиққан, эндиликда – учта қиморхона ва кўплаб меҳмонхоналар эгаси.* Газетадан.

ҚИМРОН Туя сутидан тайёрланадиган шифобахш ичимлик; қимизнинг бир тури. *Ҳар бир қозоқнинг ўтовида қимизи, қимрони ёки айрони доим осиғлиқ туради.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚИМТАМОҚ *шв.* Ниқтамоқ. *Қурбон яна қишлоққа қаради-ю, хаёлида бу макон билан боғлиқ хотиралар ниш ёриб, отни қимтади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ҚИМТИ: қимти лаб Юмуқ, жуфтлашган лаб. *Мана, новвотим, сен ухлаб ётибсан: қимти лабларингда ингичка кулги.. Қуёш нурларига ғарқ ботибсан.* Ғ. Ғулом.

ҚИМТИЛМОҚ 1 Қимтимоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Зебихон опа, Гулнорни кўрдингизми? Зебихоннинг лаблари қимтилди. Жавоб бермади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Акамнинг туташ қошлари чимирилиб, лаблари қимтилди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Қанот силкитиб ёки ҳужумга тайёрланиб ҳаракатга келмоқ, талпинмоқ. *Қарчиғайдай қимтилиб, Итолғидай интилиб.* «Хушкелди».

3 *айн.* **қимтинмоқ 2**. *Ойтўти онасининг уялиб, қимтилишига қарамай, Каримнинг олдига бошлаб келди-да, таништирди.* Ойдин, Фонарь тагида.

ҚИМТИМОҚ 1 Лабларни бир-бири ёки тиши орасига олиб қисмоқ, йиғиштирмоқ. *Мунисхон тиниқ қизил лабларини қимтиб, кулиб юбормасликнинг эҳтиётини қилади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Олахўжа лабини қимтиб, муштини мош-гуруч соқолли иягига тираб, бир нафас хаёл сурди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ойна опа зинадан тушиб, уч одимча босди-да, пастки лабини қимтиб, тўхтади.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

2 Лаблари билан қисмоқ, чимтимоқ. *Бурхон ота.. мўйловини лаблари билан қимтиб сукут қилар, гўё хатнинг давомини кутар эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *[Қуён] Жилғага келиб, сув ичди ва кўм-кўк майсаларни қимтий бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Қисмоқ, силкитмоқ, қимирлатмоқ. *Шокир ака ўрнидан бир қўзғалиб, тиззасини қимтиб, чопонининг барини қистириб олди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *-Отасининг оти нима эди? – дея Ойимхон Гулсумга бурилган эди, у эса кифтини қимтиб: -Сиз билмасангиз, мен қаёқдан билай? – деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ўзини қимтимоқ Қимтинмоқ, тортиниб турмоқ, ийманмоқ. *Келганингиздан бери ўзингизни қимтиб, ёзилиброқ гапиришмайсиз.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИМТИНМОҚ 1 Қимтимоқ фл. ўзл. н. *Чокарнинг.. ҳамиша ҳазил-мутойиба илашиб турадиган юпқа лаблари асабий қимтинган эди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ботинолмай, истиҳола қилиб, тортиниб турмоқ; ийманмоқ, тортинмоқ. *Ҳамида қимтинибгина деди: -Тоҳир тўғрисида маслаҳатлашмоқчи эдим.* Ҳ. Назир, Онажонимиз. *Ҳаёт.. қимтиниб, тортиниб, онда-сонда бир кесим қовун оладию-да, бир тишлаб, яна.. қайтариб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Силкинмоқ, қимирламоқ, тебранмоқ. *Аҳмедов ўтирган жойида бир қимтиниб олди-да, сўз бошлади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Бақоев.. Мирҳайдаровга тикилди, нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади, қимтинди, қизарди ва бошини қуйи эгди.* С. Абдуқаҳҳор, Олдин ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ.

ҚИМЧИМОҚ *шв.* Сиқмоқ. *Қайишқоқ ўтин болтани қимчиб қолибди. Иш билан пишмаган ношуд арзанданинг калласи шишибди.* Ё. Шукуров, Она меҳри. *Бош, кўрсаткич бармоқлари билан иягини маҳкам қимчиб сидирди-да, қиз юзига тараддудланиб қаради.* М. Исмоилий, Барҳаёт қиз.

ҚИН I **1** Пичоқ, қилич каби қуроллар солиб қўйиладиган ғилоф. *Пичоқ қини. Бир қинга икки қилич сиғмас.* Мақол. *Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.* Мақол. ▬ *Диловаршоҳ қиличини қинидан суғуриб, қизга ҳужум қилмоқчи бўлди.* С. Айний, Дохунда. *Ҳар бир маҳбус, қинда ётган даҳшатли тўппончадан ўз пешонасига ўқ узилаётгандек, ваҳимага тушиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тугунакни ўраб турувчи баргсимон қобиқ, куртак, ғилоф. *Довучча қинидан чиқибди.* ▬ *Баҳор эди.. Ўриклар гулини тўккан, ғўралар қинидан чиқиб, киши еса маза топадиган бўлиб қолган.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

Кўзи қинидан чиқмоқ Кўзи олайиб кетмоқ, кўзи ола-кула бўлмоқ. *Даҳшатли хабарни эшитган Махдумнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҚИН II Қизлик пардасидан бошланиб, бачадон бўйни ёпишадиган жойда тугайдиган найсимон, мускулли эластик аъзо.

ҚИНҒАЙМОҚ 1 Бирор томонга оғиб турмоқ, қийшаймоқ, энкаймоқ, оғмоқ. *Нарвон қинғайиб турибди.*

2 Кўзни ғилай қилиб қарамоқ, ғилайланмоқ. *Кўзи қинғайиб кетди.*

Қинғайиб қарамоқ 1) кўз қири билан қарамоқ; 2) *кўчма* қинғир қарамоқ, кўз олайтирмоқ.

3 *кўчма* Тўғри йўлдан озмоқ, чекинмоқ, оғмоқ.

ҚИНҒИР 1 Тўғри чизиқ бўйлаб йўналмаган; эгри, қийшиқ. *Қинғир ёғоч. Қинғир девор. Хатни қинғир ёзмоқ.* ▬ *Фуқаро уйлари чўзилган қинғир кўчанинг бошида арава сиғадиган катта, бўёқли дарвозага киришди.* Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Қаллобликка, хиёнатга асосланган; қалб. *Қинғир мақсад. Қинғир қадам. Қинғир ҳаракат. Қинғир юрак одам. Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади.* Мақол. *Дили қинғирнинг тили қинғир.* Мақол. ▬ *Болага нисбатан.. бефарқ қараш хунук оқибатларга олиб келди: Малик қинғир йўлга кириб кетди..* Газетадан.

Қинғир қарамоқ Ёмон кўз билан қарамоқ; нотўғри муносабатда бўлмоқ, ёндашмоқ. **Қинғир қўл** *ёки* **қўли қинғир** *айн.* **қўли эгри** *қ.* **эгри**. *Олмоқ бўлиб магазиндан шоколад пича Қўли қинғир сотувчига дуч келдик кеча.* Т. Ражабий, Нархи папкада. **Қинғирига олмоқ** *айн.* **қинғирликка олмоқ** *қ.* **қинғирлик**. *Мусанинг гапи тугамасдан Тўлбош қинғирига олди-кетди.* Н. Фозилов, Оқим.

ҚИНҒИРЛИК 1 Қинғир ҳолат. *Йўлнинг қинғирлиги.*

2 Қинғир иш, хатти-ҳаракат. *Афсуски, қинғирликнинг қийиғи очилгандан кейин бу оила остига сув кетгандай бўлди.* «Муштум». *Не-не қинғирликларни қилиб, устигаустак, бунчалик иззат-нафсимга теккани жуда алам қилди.* М. Жўра, Изтироб.

Қинғирликка олмоқ *айн.* **эгриликка олмоқ** *қ.* **эгрилик**.

ҚИНҒИР-ҚИЙШИҚ 1 Ҳамма ери қинғир, эгри-бугри. *Қинғир-қийшиқ девор. Қинғир-қийшиқ йўл. Қинғир-қийшиқ ёзмоқ.* ▬ *Ҳар қадамда қинғир-қийшиқ муюлишлар дуч келаверди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Нотўғри, қинғир. *Шаҳарни бедарвоза, деб эгри юрибди, қинғир-қийшиқ ишлари кўп.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ҚИПИҚ 1 Ёғоч, темир каби нарсаларни арралаганда ёки эговлаганда ҳосил бўладиган майда заррачалар. *Ёғоч қипиғи. Темир қипиғи.* ▬ *Чиптанинг устидан қипиқ солса, ҳам юмшоқ, ҳам иссиқ бўлади.* С. Анорбоев, Директорнинг даъвоси.

2 Шоли, буғдой, жўхори каби донларни тозалаганда, туйганда, уларнинг қобиғидан

ҳосил бўладиган тўпон. *Мен крахмал ўрнига гуручдан чиқадиган қипиқни ишлатмоқчиман.* Ойдин, Суҳбати жонон.

ҚИПЧОҚ 1 Кўчманчи туркий халқнинг номи (*қ.* **қипчоқлар)**.

2 Шу халқ, миллатга мансуб. *Қипчоқ тиллари.*

ҚИПЧОҚЛАР 1 11—15-асрларда Уралбўйи ва Волгабўйи даштларида ва ҳозирги Қозоғистоннинг марказий ва ғарбий қисмларида яшаган, кейинчалик бошқа ҳудудларга ҳам тарқалган кўчманчи туркий халқ.

2 Ўзбек халқи этник таркибидаги асосий уруғ-қабилалардан бири.

ҚИП-ЯЛАНҒОЧ 1 Ҳеч қандай кийим киймаган, мутлақо ялангоч, яп-яланғоч. *Қип-яланғоч бола.* ▬ *Қизлардан уч-тўрттаси.. шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартак олишдилар. Қип-яланғоч қизлар орасида кулги бошланди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ҳеч нарса ўсмаган, дов-дарахтсиз, иморатсиз. *Қип-яланғоч қақирда қизларнинг ўзи қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Биронта ҳам барги йўқ, барги батамом тўкилган. *Қип-яланғоч дарахт.*

4 *кўчма с.т.* Ҳеч нарсаси йўқ; шипшийдам, қашшоқ. *Қип-яланғоч уй.*

ҚИП-ҚИЗИЛ 1 Жуда қизил, чўғдай қизил. *Қип-қизил қон. Қип-қизил олма. Қип-қизил гилам.* ▬ *Жарнинг ҳар иккала ёнбошини қип-қизил лолалар гиламдек қоплаган.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Эшикни икки юзи қип-қизил.. бир жувон очди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма с.т.* Бутунлай, мутлақо, ғирт. *Қип-қизил саводсиз. Қип-қизил туҳмат.* ▬ *Деҳқон қип-қизил яланғоч, аҳволи танг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қип-қизил жинни, овсар экансан!* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бу гапни юрт эшитса, сизни қип-қизил ўғри дейди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Деҳқон карамни шошиб пуллади-да, машинага чопди. Келса, Фозил қип-қизил маст ўтирибди.* С. Зуннунова, Одамлар орасида.

ҚИР I *геогр.* Атрофидаги ерлардан бир оз кўтарилиб турган, ясси ёки салгина гумбазсимон баландлик, тепалик. *Қимирлаган қир ошар. Мақол.* ▬ *Рўпарада Чатқол тоғлари, ундан берида эса, гўё тоққа чиқиш учун атайлаб ясалгандай, бирин-кетин баландлашиб кетган гумбаз-гумбаз қирлар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тоғларда турли конлар, қирларда ғалла беҳад.* Ҳабибий.

ҚИР II Қирра, зих. *Деворнинг қири. Шишанинг қири.* ▬ *Ўша шум хабар келган куни остонанинг қирига тегиб синиб тушган эди.* Й. Муқимов, Ғалати одамлар.

Кўз қири билан Кўзнинг учи, бурчи билан, яъни юзни ўгирмай, кўз қорачиғини кўзнинг бурчига келтириб. *Кўз қири-ла севганига қарайди.* М. Алавия. *Қароллардан бири менга кўзининг қири билан Рўзимат чолни кўрсатди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Кўз қирини ташламоқ** Кўз учи билан қарамоқ, назар солмоқ. *У [Ҳазратқул] эҳтиётлик билан кўз қирини ташлаб қўйди-ю, сўзида давом этди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚИР III [*а.* قير — смола, қатрон] Қурилишда ишлатиладиган, бириктирувчи, ёпиштирувчи ашё, материал. *Султон Санжар Мурғоб дарёсига ғиштин тўғон қурдирганда, қир ишлатган. Қир ғоятда мустаҳкам ашё. Янги мадраса пойдеворига қир солганман. Метин бўлиб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚИР IV *қ.* **қир(р)**.

ҚИРИЛИШМОҚ 1 Қирилмоқ фл. бирг. н.

2 Бир-бири ёки биров билан қаттиқ уришмоқ, жанжаллашмоқ. *Овсинлар роса қирилишди.*

ҚИРИЛМОҚ Қирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Унинг қир-дала ерларида тобланган қорамағиз ва доимо қирилган тоза юзи кўз олдидан лип этиб ўтди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Зиёдилла томоғи қирилиб, қуруқ йўталди, кўкрагини столга босиб, ўйга толди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *-Илгари фақат селдан эмас, қурғоқчилик офатидан ҳам одамлар қирилларди, экинлар нобуд бўларди.. — деди Furthermore Бобоқул ота.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИРИНДИ 1 Йўниш, рандалаш натижасида ҳосил бўладиган юпқа лента ёки қипиқ шаклидаги чиқит. *Ёғоч қириндиси.* ▬ *Коля гапга аралашмай, жингала-жингала қириндилар сачратиб, тахтача устидан ранда юритарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Михайлов рандалаётган темирдан чиққан қиринди пайраҳага ўхшаб буралиб.. ерга тушар эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Тери, ичак ва ш.к. ни қириб тозалаш натижасида ҳосил бўладиган чиқит.

Ичидан қиринди ўтмоқ 1) қаттиқ ташвишланмоқ, талвасага тушмоқ. *Ичларидан қиринди ўтиб кетган.. бойларнинг.. мақтанишлари деҳқонларга қаттиқ дард қилди.* «Муштум»; 2) қаттиқ алам қилмоқ. *Почтачининг [мўйсафидларга] шалдироқ червонларни санаб бериб кетаётганини кўрган Бўрихўжанинг ичидан қиринди ўтмай қолмади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚИРИШТИРМОҚ 1 Обдан қириб, қиртишлаб тозаламоқ ёки тўпламоқ. *[Жўрахон] Енгини шимарди, белкуракни олиб, ажриқни қириштира бошлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қани энди, ўша кунларни мутлақо унутиб, хотирадан ўчириб, қириштириб ташлашнинг иложи бўлса!* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 *кўчма с.т.* Борини йиғмоқ, тўпламоқ. *Қириштириб ўн сўм амалладик.* ▬ *[Мулладўст:] Мендақа мўмин-мусулмон бу дунё-у дунёни қириштирса чиқмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ҚИРЛИК Қир жой, қир (*қ.* **қир 1**).

ҚИРМА: қирма чопиқ *қ.х.* Ёввойи ўтларни йўқотиш мақсадида ер бетини сидириб ёки юпқа олиб чопиш усули ва шундай чопиқнинг ўзи. *Ғўзалар қирма чопиқ қилинди.*

ҚИРМАЧИ Қирма чопиқ қилувчи, чопиқчи. *Ишнинг ҳаммасини трактор қиляпти. Фақат сувчи, баъзан қирмачиларгина кетмон билан ишлайди.* И. Раҳим, Ҳилола.

ҚИРМИЗАК [*ф.* قرمزک – қизил рангли нарса] Қимизак, нордон. *Қирмизак олма.* ▬ *Мана шу Наманганнинг олмасини, қирмизакни, балхи тутни.. борингки, барча-барчасини ҳам менга ўхшаган боғбонлар пайвандлаб яратган.* Газетадан.

ҚИРМИЗ(И) [*ф.* قرمزی / قرمز – қизил; қизил ранг; қизиллик] Қизил рангли; қизил, ол. *Қирмиз лаблар. Қирмизи олма.* ▬ *Оқ юзига қирмиз қонлар қуйилди, Ҳар тарафга қора сочи ёйилди.* «Рустамхон». *Сурма тортиб кўзига, қирмизи кўйлакни кийиб, Ўйнатиб ханжарини, қилгани қурбон келадир.* Ҳамза.

ҚИРМИСКА [*р.* крымский – Қримга оид; Қримда бўладиган, ўсадиган] Дони йирик, серсув қишки узум нави.

ҚИРМОЧ Пиширилаётган овқатнинг қозон тагига ёпишиб қолган ёки куйган қолдиғи. *Ош қирмоч олибди. Ошни қирмоч олдирмоқ.* ▬ *У [Муҳаббат] қозоннинг қотиб қолган қирмочларини қириб емоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

ҚИРМОҚ 1 Нарсанинг бети(сирти)ни пичоқ, капгир ва ш.к. нарса билан сидирмоқ, тарашламоқ. *Ўзинг ҳам қириб қўйган сабзидай бўлибсан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..капгир билан қозонни қирар экан, жеркиб: -Ҳадеб йиғи тўғрисида гапирманг, – деди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *..шундоққина кўринадиган жойига кимдир мих билан қириб, «Эркин», деб ёзиб қўйибди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Сигирингизнинг қаншарига темиратки чиқибди, намакоб суркадим, нос суркадим – бўлмади, пичоқ билан қириб, керосин суркаш керакмиш.* А. Қаҳҳор, Янги ер.

2 Мўй-тукларни ўткир асбоб билан тарашлаб, тагидан кесиб олмоқ; шу усулда тозаламоқ. *Соч(ни) қирмоқ.* ▬ *Маҳкам ака Сарсенбойнинг сочини устарада қира бошлади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 Қирғич, қошиқ ва ш.к. асбоблар билан сидириб майдаламоқ. *Турп қирмоқ.* ▬ *Ёшлар кабоб чайнашяпти, мен бўлса, қовунни қирғичда қириб едим.* И. Раҳим, Ихлос.

4 Кўплаб ёки ёппасига ўлдирмоқ, қирғин қилмоқ. *Душманни қирмоқ. Заракунандаларни қириб ташламоқ.* ▬ *Бу қон кам десанг, яна тўкаман. Ҳаммасини қираман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Балиқчи қушлар кемирувчиларни кўпроқ қиради..* «Фан ва турмуш».

5 *с.т.* Кўплаб, кўп миқдорда йиғмоқ, тўпламоқ, қўлга киритмоқ, ўлжа қилмоқ. *Болалар олчани роса қирибди.* ▬ *Гапларига қараганда, у бир неча мактабда ҳисобдан дарс берар ва.. «пулни қирар эди».* П. Турсун, Ўқитувчи.

Томоғини (*ёки* **ҳалқумини) қирмоқ** Йўталиб ёки томоқни хириллатиб, кескин овоз чиқармоқ. *У томоғини қириб, гап бошлади.* ▬ *Саидғози ўтирганларнинг диққатини тортиш учун томоқ қириб йўталди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИРОАТ [*а.* قرائت – ўқиш, баланд овоз билан ўқиш] Ислом анъаналарида Қуръон оятларини тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда, ўзига хос оҳангда ўқиш. *Хўп, тақсир, ҳозирча диний дарсдан бериб турасиз, болаларга қуръондан қироат ўргатасиз, кейин яна кўрамиз.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Гулниёз оҳиста одимлаб бориб, мақбаранинг ёнгинасида тиз чўкди, қи-*

роат билан тиловат қилди. С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Соҳибқори қироат билан: -Бисмиллоҳу раҳмону раҳим.. — деди-да, извошга оёқ қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Қироат қилмоқ 1) Қуръон ёки Қуръон сураларидан бирини ўқимоқ, тиловат қилмоқ; 2) оҳанг билан ўқимоқ ёки сўзламоқ. *Лўппи юзли, чиройли йигит конвертни очиб, хатни чироқ шуъласига тутди, ширалигина овози билан қироат қилиб ўқий бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҚИРОАТХОН [*а.* + *ф.* قرائتخوان — қироат билан ўқувчи] **1** *дин.* Қуръонни қироат билан, асли талаффузига риоя қилиб ўқийдиган киши; қори.

2 *кўчма* Маъносини чуқур тушуниб етмай ва танқидий кўз билан қарамай ёд олиб, юзаки билган киши. *Догматикларни, қироатхонларни турмуш улоқтириб ташлаганлигини ва улоқтириб ташлаётганлигини кўриб турибмиз.* Газетадан.

ҚИРОАТХОНА [қироат + хона] **1** *тар.* Қуръонни ёдлаш ва қироат билан ўқишни ўргатадиган эски мактаб; қорихона.

2 Газета, журнал ва китоблар ўқиш, мутолаа қилиш учун ажратилган хона, ўқув зали. *Қизил чизиқлар қишлоқ кўчалари бўлиб, булар туташган доирада боққа қаратиб иморатлар солинар экан: мактаб, кинотеатр, клуб.. радиоузел, коммутатор, қироатхона, кутубхона.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚИРОАТХОНЛИК 1 *дин.* Қироат билан Қуръон ўқиш, қуръонхонлик.

2 *кўчма* Маъносини яхши тушуниб етмай ва танқидий кўз билан қарамай юзаки ёдлаш, юзаки ўрганиш. *Бу мактабларнинг программаси эски мактабга нисбатан бир оз мазмундор бўлиб, ўқитиш методи ҳам онгсиз қироатхонликка эмас, балки масалани тушунтириб беришга асосланган эди.* «ЎТА».

ҚИРОАТЧИЛИК *айн.* **қироатхонлик**. *Бунда ҳали китоб тилининг таъсири, қироатчилик кучлидир.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚИРОВ I Аёзли, ҳаво очиқ, сокин (шамолсиз) тунларда тупроқ, ўт ва ердаги нарсалар устида ҳосил бўладиган муз кристаллари. *Бугун кечаси қиров тушибди.* ▬ *Тўла ойнинг ёруғида ўсимликлар баргида пайдо бўлган қиров янги ёққан қор каби ярқираб кўринарди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ўша куни совуқ қаттиқ эди.. Соқолларда, мўйловларда, киприкларда қиров.* Ойбек, Танланган асарлар. *..куз келди. Қуёш тафти пасайиб, эрталабки шудринг ўрнини қиров эгаллай бошлади.* «Ёшлик».

Оқ қиров Кузги қиров тушадиган пайт; қалин қировли кунлар. *Полизлардаги оқ қировга асралган қирқма қовунлар ҳам узилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Сочига** (*ёки* **соқолига**) **қиров тушибди** (*ёки* **кирибди**) Сочи, соқоли оқара бошлабди; сочига, соқолига оқ тушибди. *Ўспириннинг ёнида чекка сочига қиров тушган ўттиз беш ёшлардаги қорача йигит блокнотига ниманидир ёзаётган эди.* Ҳ. Назир, Одамнинг қадри.

ҚИРОВ II Янги чархланган пичоқ, ханжар ва ш.к. асбобларнинг дамида ёки янги ясалган металл буюмнинг бетида қолган зарралар. *Пичоқнинг қировини тўкмоқ.* ▬ *Дўкондан чиқарилган бу жуфт-жуфт қора узангилар.. катта эговлар билан эговланиб, қирови тўкилди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Қирови тўкилган 1) қирови йўқ қилинган. *Пичоқнинг қирови тўкилган;* 2) ишфаолиятга шай; «ўткир». *Энди у [Муқимий] дунёга бошқача назар ташлай бошлаган, чархланиб, қирови тўкилган, ўзини фикрий курашларга чоғлаб, ҳаётнинг нозик томонларига разм сола бошлаган шоир эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. **Қирови тўкилмаган** 1) қирови йўқ қилинмаган; 2) ҳали ишлатилмаган, янги. *Сизга ўзингизга ўхшаган қирови тўкилмаган одамлардан иккитасини қўшиб бераман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚИРОВ III *вет.* Молларнинг тилида қипиқсимон бўртиқлар пайдо қиладиган касаллик. *Тили қиров боғлабди, қандай овқат есин жонивор..* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ҚИРОВЛАМОҚ *кам қўлл.* Қиров бўлмоқ. *Кипригида шабнам қировлаб, Қароғида бурқсийди офтоб.* Р. Бекниёз.

ҚИРОВЛИ I Қиров босган; қирови эриб кетмаган. *Қировли том. Қировли дарахт. Қишли-қировли кунлар.*

ҚИРОВЛИ II Қирови тўкилмаган, ишлатилмаган, тутилмаган; янги. *Улуғ отам, букун сиздан тилайман Шу қировли ўткир пўлат найзани.* «Зулфизар билан Авазхон».

ҚИРОЛ [*р.* король ва *турк.* kral – подшоҳ < *лот.* Carl – Буюк Карл номидан] Монархия давлати, қироллик бошлиғи.

ҚИРОЛИЧА Хотин қирол; қиролнинг хотини; малика.

ҚИРОЛЛИК 1 Қирол лавозими, вазифаси. *Қироллик қилмоқ.*

2 Ҳокимият бошида қирол турадиган давлат, мамлакат.

ҚИРОН I **1** Кўплаб ўлдириш, қирғин. *Ёвга қирон келди.* ▬ *Ёвга солиб даҳшат, қирон, Қоя каби турдилар.* О. Ҳакимов. *Хўш, колхоз молини қирон қилган Сувоннинг ишини муҳокама қилишимиз майда гап эканми?* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Кўплаб ўлиш, ўлим, йўқ бўлиш. *Қор қалин ёғиб, совуқ Ҳаддидан ошиб кетди. Дон топиб еёлмасдан, Қушларга қирон етди.* Уйғун.

Қирон келмоқ Қирилмоқ, йўқ бўлмоқ. *Урушга қирон келсин. Кўплаб норасидаларни ота-оналаридан бевақт жудо қилди.* Р. Файзий, Эл меҳри. *Шу йил ўлат касали ёйилиб, қўйларга қирон келди.* «Чалпак ёққан кун».

ҚИРОН II [*а.* قران – бирикиш, бириктириш; бирикма; никоҳ, тўй] *с.т.* Давлат, мамлакат. *[Мирзакаримбой:] Қайси қирон қайси қирон билан урушди?* Ойбек, Танланган асарлар.

Етти қиронда Бутун оламда. *-Шуни айтинг, – деди Вали ака, – Қорабулоқнинг суви билан ери етти қиронда ҳам йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИРОН(ГАР)ЧИЛИК Қирғин, хунрезлик, қирғинчилик.

ҚИРОНҚАРҒА *айн.* **қиронқора.**

ҚИРОНҚОРА Йиртқич қушлар туркумининг қарчиғайсимонлар оиласига мансуб, бургутдан кичикроқ ўлимтикхўр йиртқич қуш.

ҚИРПИ *шв.* **1** Хирпа, сийқаланган. *Қирпи ошиқ.*

2 *кўчма* Кўпни кўрган, тажрибали. *[Шодмонов:] Душман қирпи, доғули. Осонликча жон бермайди.* К. Яшин, Ўлим босқинчиларга.

ҚИРПИЧОҚ 1 *айн.* **пичоқбозлик.**

2 *кўчма* Қаттиқ уруш, жанжал. *Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, икки ёзувчи ё икки санъаткор бир-бирига чап, бир-бири билан қирпичоқ бўлиб қолишади.* Уйғун, Замон талаби. *Агроном билан тракторчи қирпичоқ бўлишди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Дўстми сенга Ғози ё душман? Анорхон билан орангга совуқлик солмоқчими ёки сени Комилжон билан қирпичоқ қилмоқчими?* И. Раҳим, Ихлос.

ҚИР(Р) *тақл.с.* Нотекис ёки ёпишқоқ нарсаларнинг бир-бирига ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Сағанич қаламни «қирр» этиб юргизмоқ. Мумланган ипни «қирр» этиб тортмоқ.*

ҚИРРА 1 Нарсаларнинг энсиз ёки ўткир қирғоғи; чет, зиҳ, қир. *Китобнинг қирраси. Тахтанинг қирраси. Кафтнинг қирраси.* ▬ *Болалар ҳали тоғнинг ажойиботларини кўриб тўймаган, чарчоқ унутилган. Баъзиларининг қирра тошлар тилган оёқларидаги оғриқ билинмай қолган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Нарсаларнинг моҳиятини белгиловчи хусусият, томон. *Сен муҳаббат боғлаган эркак сенга ўзининг ялтироқ қирраларини кўрсатади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Худди шу ўринда масаланинг яна бир муҳим қиррасини изоҳлаш кераккa ўхшайди.* Газетадан. *Кечагина оддий кўринган нарсалар бугун негадир бошқа фазилати, бошқача бир қирраси билан намоён бўлар эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 *мат.* Геометрик жисмни ўровчи икки текисликнинг кесишув чизиғи; қовурға. *Пирамиданинг қирраси.* ▬ *Агар призманинг ён қирралари унинг асосларидан бирига перпендикуляр бўлса, бундай призма тўғри призма деб аталади.* «Чизмачилик».

Қирра бурун 1) ўткир қиррали бурун. *Улар қаторида норғил, қирра бурун, қорамағиз йигит – Ҳафиз ҳам бор.* Мирмуҳсин, Пўлат қуёвчилар; 2) бурни шундай йигит.

ҚИРРАБУРУН (*тўғриси* **қирра бурун**) *қ.* **қирра.**

ҚИРРАДОР Қирралари кўп бўлган; қиррали. *Қиррадор тош. Қиррадор қоялар.*

ҚИРРАЛАМОҚ Йўниб, тарашлаб ёки чархлаб, қирра ҳосил қилмоқ, қирра чиқармоқ. *Тошни қирраламоқ.*

ҚИРРАЛИ 1 Қирраси бўлган; қирраси бор. *Саккиз қиррали устун.* ▬ *Тўрт қиррали кўмир қалам, Қордай қоғоз қўлимда.* Т. Тўла. *Оппон қиррали стакан лабига тухум уриб чақди-да, яхшилаб арчиб, лунжига солди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Учи бўлган, учли. *Беш қиррали юлдузча.*

Кўп қиррали 1) қирралари ёки учлари кўп; серқирра; 2) *кўчма* ҳар тарафлама кенг маълумотли, билимли. *Кўп қиррали ижодкор*; 3) *кўчма* ҳар тарафлама мазмунли, мазмундор. *Кўп қиррали ижод.* ▬ *Портретчи рассомларимиз фаолияти ана шундай жўшқин ва кўп қирралидир.* Газетадан.

ҚИРРИҚ 1 Юнги (туки) калта (асосан ҳайвонлар ҳақида). *Қирриқ ит.*

2 *кўчма* Ўтакетган туллак, устомон, хирпа. *Қирриқ одам.* ▬ *Четдан келган гўл, гўсхўр, пулдор бойваччаларнинг кўпини шилиб юрган қирриқ қиморбозлар унинг юпун кийимига разм солишгач, эътибор бермай, ўйинни давом эттиришди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Сотқинбой эски қирриқ эмасми, у кейинги пайтда кимларнингдир пинжига кириб, ғоят усталик билан корхона директори бўлиб олди.* «Муштум».

ҚИРС *тақл. с.* Баъзи нарсаларнинг синиши, очилиб-ёпилиши ва ш.к. дан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *[Ўлмас опа] Ёнбошидаги жийда бутоқчасини қирс этиб синдириб олди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Хон соат қопқоғини қирс этиб ёпиб, занжирларини чувалаштириб, қўйнига солди.* Мирмуҳсин, Чўри. *..сумкачасини қирс этиб очди-да, ўн сўмлик чиқариб берди.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *У кимса учун бу вазифа чўнтагидаги бодомни қирс этиб чақиб егандай жўн гап.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚИРСИЛЛАМОҚ «Қирс» этган товуш чиқармоқ. *У оёғи остида қирсиллаган хазонларни босиб-янчиб бораркан.. ойнаванд тахта қаршисида бир зум тўхтаб қолди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Эй, сендан нима кетди — тўшингга тортмайсанми, беллари қирсиллаб кетмайдими!* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚИРСИЛЛАТМОҚ Қирсилламоқ фл. орт. н. *Бармоқларни қирсиллатмоқ.* ▬ *Отлар бошоқларни қирсиллатиб узиб емоқда.* С. Айний, Қуллар. *-Ҳа, нима қилди? — деди у оғзидаги сақичини қирсиллатиб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИРС-ҚИРС Қирс с. такр. *Тун совуғи билан қотган лой оёқ остида, синиқ шиша парчаси каби, қирс-қирс ушалади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Секин-секин олдинга энаётган қўйлар гоҳо қуруқ шувоқларни қирс-қирс чайнайдилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚИРТ *тақл. с.* Нарсаларнинг бир-бирига ишқаланиши, қирилиши, узилиши ва ш.к. дан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Ип қирт этиб узилди.* ▬ *Турсуной тугмагулни икки бармоқ орасига олиб, қирт этиб узди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚИРТИЛЛАМОҚ «Қирт-қирт» товуш чиқармоқ. *Қамиш қаламнинг қиртиллагани ғашни келтиради. Пол остида нимадир қиртиллаяпти.*

ҚИРТИЛЛАТМОҚ Қиртилламоқ фл. орт. н. *Қамиш қаламни қиртиллатмоқ.* ▬ *Мирза чизди қиртиллатиб қаламин.* Ғ. Ғулом. *Сартарош Абрам унинг кеч куз қировидай оппоқ мўйловини йилтироқ қайчиси билан қиртиллатиб текисларкан, оғзи тинмай алланималарни гапирар.. эди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ҚИРТИШЛАМОҚ 1 Яхшилаб, топ-тоза қилиб қирмоқ. *Қозонни қиртишламоқ.* ▬ *Уйни, айвонни, ҳовлини ҳафсала билан қиртишлаб супуришни у яхши кўради.* Ойбек, Улуғ йўл. *Биринчи маошини олган куни чолкампирнинг мозорига оқлик кўтариб борди. Мозорни қиртишлаб тозалади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Батамом тозаламоқ, сира қолдирмай, таг-туги билан йўқ қилмоқ. *[Қўйлар] Шувоғу янтоқни.. томиригача қиртишлаб қўяди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИРТ-ҚИРТ Қирт с. такр. *Қирт-қирт хат ёзмоқ.* ▬ *У бошини қирт-қирт қашиганча эслашга уринди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *Зуҳра силлиқ картонни қирт-қирт қирқар.. эди.* Ибохон, Улуғ йўл.

ҚИРУВЧИ 1 Қирмоқ фл. сфдш.

2 Қирғин қиладиган, қирғин келтирадиган, қирадиган одам, қурол. *Қирувчи самолёт.* ▬ *Бу шишалар батальон қирувчилари мажақлаган душман машиналарининг бензини билан тўлдирилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚИРЧАНҒИ Қўтир ва ориқ; дирдов (кўпинча от ҳақида). *Ҳар йил, қоида каби, қишдан бир отни қирчанғи қилиб чиқаради ёки ўлдириб қўяди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *..болохонанинг қинғир-қийшиқ синчлари, гуваласи тушиб, қирчанғи отнинг қовурғасидай яланғочланиб, саналиб қолган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚИРЧИЛЛАМА 1 Куч-қувватга тўлган, етилган. *Қирчиллама йигит.* ▬ *Ҳу ана, ол-*

динроқда ёши элликдан ошганига қарамай, ҳалиям қирчиллама йигитдай дароз бўйини тик тутиб, Тўламат мўйлов кетяпти. С. Анорбоев, Оқсой. *..қирчиллама ёшнинг беш-ўн йили шунга сарф бўлди.* М. Қўшжонов, Дийдор.

2 *кўчма* Авжига чиққан, кучайган, қаҳрига олган, қаттиқ (совуқ ёки қиш ҳақида). *Шундай қирчиллама совуқда чўлга келиш зарурмиди?* Й. Муқимов, Матонатли кишилар. *Қирчиллама қиш палласи уни қишлоққа олиб бориш ҳам қийин эди.* О. Ҳусанов, Чўлда. *..қиш бўлганда ҳам, қирчиллама кунида.. туғилган.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ҚИРЧИЛЛАМОҚ 1 Куч-қувватга тўлмоқ, етилмоқ. -*Сизми? — деди Кумуш. — Сиз энди қирчиллабсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Расий [Россия] деган мамлакат жудаям олис эмиш, сарт, қозоқнинг ўспиринлари — авжи қирчиллаган йигитлар.. совуқда очяланғоч қирилиб кетмасин яна, кулфатга қолдик!* Ойбек, Болалик.

2 *кўчма* Авжига чиқмоқ, зўраймоқ, қаҳрига олмоқ (совуқ ёки қиш ҳақида). *Қиш тобора қирчилламоқда.*

ҚИРЧИМОҚ *шв.* **1** Қайчи, тиш ёки тирноқ билан қирмоқ, узмоқ. *У қошидаги гулнора япроғидан биттасини узиб олиб, лаблари орасида қирчий бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Чилпимоқ, чеканка қилмоқ. *Гулни қирчимоқ. Ғўзанинг учини қирчимоқ.*

3 *кўчма* Кемирмоқ, ғажимоқ, эзмоқ. *Тешабой.. қайнатасининг юрагини кечадан бери қирчиб келаётган ташвиш қуртини сезиб қолгандек: -Мингбошиликни ёнга қолдирган ош ҳаром бўлармишми, тақсир, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИРЧИН *кам қўлл.* Ёш ниҳол; навқирон. *Эсиз, қирчин кетдинг, қиздай гул дийдор, Ўлимнинг ногаҳон босқини ёмон!* Миртемир.

Қирчинингдан қийилгур! Жувон ўлгур!, йигит ўлгур!, жувонмарг бўлгур! *Қирчинингдан қийилгур, Чиноқ, ўйнашгани ўз тенгинг топилмадими*? С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚИРҚ I **1** *снқ. сон* 40 рақами ва шу рақам билан ифодаланадиган сон, миқдор. *Қирқ киши. Қирқ метр газмол. Қирқ сўм пул. Қирқ тонна юк. Қирқдан учни айирмоқ. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом (бер).* Мақол. *Қирққа чидаган, қирқ бирга ҳам чида.* Мақол. *Ўттизида эр атанган қирқида шер атанар.* Мақол.

Қирқ кокил Майда ўрилган соч. *Бир оз сабр қилсанг, қирқ кокил қилиб қўярдимки, орқангда толбаргакдай ҳилпирарди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *этн.* Киши вафотидан сўнг ўттиз еттинчи ёки ўттиз тўққизинчи куни ўтказиладиган маросим. *Йўлдош мотамсаро. Онасининг жанозаси, йигирмаси, қирқи, хатми қуръон деб анча чиқимдор бўлганга ўхшайди.* С. Анорбоев, Меҳр.

ҚИРҚ II Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири.

ҚИРҚБЎҒИН, қирқбўғим Майда барглари бирлашиб, найчасимон бўғинлар ҳосил қилиб ўсадиган кўп йиллик спорали ўсимлик (ер устки қисми тиббиётда ишлатилади). *Қазғоқни йўқотиш учун бир ош қошиқ майдаланган қирқбўғин, шунча миқдорда арника [кўп йиллик ўт] гулини икки стакан доғ сувга аралаштириб, қайнатиш зарур.* «Саодат».

ҚИРҚИЛМОҚ Қирқмоқ фл. мажҳ. н. *Дарахтнинг шохлари қирқилди. Қирқилган беда.* ▬ *[Йигитнинг] Бўйи баланд, қомати келишган, қора соқоли иягида текис қилиб қирқилган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қадами қирқилди Қадам босмайдиган, келмайдиган бўлди. **Тили қирқилди** Гапира олмайдиган бўлиб қолди. *Хотини келиши билан тили қирқилган раис гунг ўтирар.. эди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ҚИРҚИМ 1 Чорва молларининг жунини қирқиш; шундай иш жараёни. *Чорвадорлар кузги жун қирқимини пухта тайёргарлик ва зўр уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар.* Газетадан.

2 *махс.* Чизмачиликда нарсаларнинг текислик билан кесилгандаги кўриниши.

ҚИР-ҚИР *қ.* **қир(р)**. *[Унсин] Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқлари билан қир-қир тортиб қўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИРҚИҚ Қирқилган, қирқиб, кесиб ташланган. *Қулоғи қирқиқ ит. Думи қирқиқ от. Сочи қирқиқ хотин.* ▬ *Чироқда олтинланган сочлари қирқиқ.. бир қиз у билан овора бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Чопар томонидан суйири.. соқоли қирқиқ киши қоғозни.. юзида шодлик аломати пайдо бўлгани ҳолда ўқий бошлади.* С. Айний, Қуллар.

ҚИРҚКОКИЛ (*тўғриси* қирқ кокил) *қ.* **қирқ 1**.

ҚИРҚМА 1 Қирқилган ёки қирқиладиган.

Қирқма пиёз Кўки-барги олиниб, туби ерда иккинчи йилга қолдириладиган пиёз.

2 Қишга сақланадиган кечпишар, пўсти қалин, эти оч яшил қовун нави. *Полизлардаги оқ қировга асралган қирқма қовунлар ҳам узилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Қирқма милтиқ Стволи қирқиб қисқартирилган милтиқ. *Қора қоплон иккита қирқма бешотар милтиқ.. ўқдонларини бирма-бир кўздан кечириб, отишга шай қилиб қўйди-да.. хуржунларга жойлади.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚИРҚМОҚ 1 Кесувчи асбоб билан бўлакламоқ, кесмоқ. *Қоғоз қирқмоқ. Беда(ни) қирқмоқ. Дарахт шохини қирқмоқ.* ▬ *Йўлчи йўғон қамиш топиб.. бир қаричдан мўлроқ қирқиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саодатхон бу гулдаста тувакдаги гуллардан қирқиб ясалганини дарров билди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Калта қилиб кесмоқ, олмоқ ёки олдирмоқ (соч, соқол ва ш.к. ни). *Сочини қирққан хотин.*

3 *кўчма* Камайтирмоқ, қисқартмоқ. *Иш ҳақидан қирқмоқ.* ▬ *«Нормасини бажармади», деб ҳар беш кунда меҳнатимни қирқади, деворий газетага уради, мажлисда гапиради.* И. Раҳим, Ихлос. *Қорасувнинг сувини ичиб, қўшиғини шаҳарда айтадиган меҳмонлар керак эмас. Уларнинг ерини қирқиш керак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

4 Кучини, даражасини камайтирмоқ, қайтармоқ; кесмоқ. *Дашт шамоли ҳароратнинг дамини қирқиб турибди.* Ҳ. Назир, Васият. *..кўча ён-беридаги дарахтлар шамолнинг кучини қирққандай бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

5 *кўчма* Бирор ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. ни тўхтатмоқ; тўсмоқ. *Деҳқонбой Сариқов бир тўда гитлерчиларнинг чекиниш йўлини пулемёт ўти билан қирқиб, душманга катта талафот етказди.* Н. Сафаров, Дон. *Қирқиб чиқди Ойчинор лашкарларнинг олдидан.* «Ойсулув». *-Мен туфайли сиз ҳам азият чекибсиз, — деб гап бошлади Кимсан. Лекин қиз гапни қирқди.* А. Мухтор, Туғилиш.

6 *кўчма* Орасидан (бўлиб) йўналмоқ, ўтмоқ, кесиб чиқмоқ, кесмоқ. *Канал қишлоқни қирқиб ўтади. Йўлни қирқиб ўтмоқ.* ▬ *Улар айтди: -Янгитда дарёни қирқиб ўтиб, Янгиқўрғон қараб кетди.* «Фольклор».

Пайини қирқмоқ *қ.* **пай** I.

ҚИРҚОЁҚ *шв.* Мингоёқ.

ҚИРҚОҒАЙНИ Атиргулнинг баланд бўлиб ўсадиган, майда сергул тури. *Қизлар.. сочлари ва чеккаларига садарайҳон, қирқоғайни гулидан маржон қилиб тақиб олишган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИРҚҚУЛОҚ Барги йирик, спорали ўсимлик; папоротник (илдизпоясидан тайёрланган экстракти гижжаларни ҳайдашда ишлатилади). *Масалан, қирққулоқ — папоротник гули хоҳ оилада, хоҳ идорада бўлсин, жанжалларни бартараф этар экан.* Газетадан.

ҚИРҒИ *шв.* Ранда. *Усталар ишлатар теша, қирғини.* «Равшан».

ҚИРҒИЗ 1 Қирғизистоннинг туб аҳолисини ташкил этувчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқнинг номи. *Қиргиз халқи. Қирғиз миллати.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли, оид. *Қирғиз тили.*

ҚИРҒИЗЛАР Қирғизистоннинг туб аҳолисини ташкил этган, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; қирғиз халқи.

ҚИРҒИЗЧА 1 Қирғизларга, қирғиз халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятга оид. *Қирғизча куй.*

2 Қирғиз тили. *Сиз қирғизча(ни) биласизми? Қирғизча гапирмоқ.*

ҚИРҒИЙ *айн.* **қийғир.** *Дониш эндигина пати чиқа бошлаган палапонни олиб тушганда, тепада она қирғий чуввос солди.* А. Дилмуродов, Осмоннинг бир парчаси. *Бир түп чумчуқни бир қирғий қувиб юргандай, түп-түпини қувалаб юрибди.* «Холдорхон».

ҚИРҒИН 1 Кишилар кўплаб, ёппасига қириладиган, кўп қон тўкиладиган уруш, жанг, босқин; хунрезлик. *Қирғин уруш. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади.* Мақол. ▬ *Йигитларимизга окоп қаздирадими ё милтиқ ушлатиб, қирғинга ҳайдайдими — бу нарса оқподшонинг ихтиёрида.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди аввалгидан баттар қирғин бўлишини сезган бек ва навкарлар Андижон қўрғонига кириб бекина бошладилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Кўплаб ўлиш, қирилиш; ўлат. *Молларга қирғин келди.*

3 *кўчма с.т.* Қаттиқ жанжал; уруш.

Қирғин солмоқ (*ёки* **қилмоқ)** 1) кўплаб ўлдирмоқ, қирмоқ. *Ҳамма қизғин кутлайди Кулиб турган жангчини; Душманларнинг бошига Қирғин солган танкчини.* З. Диёр; 2) *кўчма* қаттиқ жанжал қилмоқ, жанжал кўтармоқ.

ҚИРҒИНБАРОТ 1 Қонли қаттиқ жанг, қирғинчилик, хунрезлик. *Бу қирғинбарот, ўз навбатида, гирдобига бу бой, бу камбағал деб ўтирмай, ҳаммасини тортиб, катта таҳлика туғдиргач, Содиқбойвачча ҳам шаҳардаги.. ҳовлисига кўчиб кетган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма с.т.* Қаттиқ жанжал, уриш, зўр можаро. *Икки маҳалла ўртасидаги муштлашиш, қирғинбарот авжга чиқиб турганда, қандайдир бир ўткир овоз дарҳол одамлар диққатини ўзига тортди.* Мирмуҳсин, Тарихий қисса.

ҚИРҒИН-СУРОН Қаттиқ қирғин, қирғинбарот, уруш-тўполон. *Бек.. қирғин-суронни кутиб ётганда, отишмалар нечундир эшитилмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҚИРҒИНЧИ Қирғин қилувчи, солувчи; қирғин қатнашчиси, хунрез. *..қирғинчилар ўқ узмасдан, ҳужум қилмасдан туриб, сизлар ўт очмайсиз.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҚИРҒИНЧИЛИК Қаттиқ қирғин, хунрезлик. *..тўхтовсиз давом қилган ўзаро қирғинчилик урушлари тугатилди.* Газетадан.

ҚИРҒИЧ 1 Мева ва сабзавот этини қириш учун ишлатиладиган тишли рўзғор буюми. *Қирғич билан қовоқ қирмоқ.* ▬ *Ёшлар кабоб чайнашяпти, мен бўлса, қовунни қирғичда қириб едим.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Қириб, тарашлаб тозалаш учун ишлатиладиган тиғли асбоб. *Мана бу жойни аввал пўлат қирғич билан тозаламабсиз-да.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚИРҒИЯК Куз фаслининг бошланиш пайти. *Қирғияк ёмғири шивирлаб ўтди, Чўпон қўчқорларга ташлайди назар.* Ғ. Ғулом.

ҚИРҒОВУЛ *айн.* **тустовуқ**. *Ботирали шу хаёл билан кетаётганда, бир қирғовул парр.. этиб учди-да, ундан сал нарироққа бориб тушди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҚИРҒОҚ 1 Сув ҳавзалари ва оқар сувлар билан қуруқлик туташган камбар ер; лаб, бўй, ёқа; соҳил. *Дарё қирғоғи. Кўл қирғоғи. Денгиз қирғоғи.* ▬ *Аму оқар қирғоқни ювиб, Кунлар ўтар кунларни қувиб.* Ғайратий. *Фарида қурбақа сузиш қилиб, қирғоққа қараб борар экан, сув пуркаб кулди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ёйиқ нарсаларнинг, йўл ёки майдоннинг чети; зиҳ, қир. *Рўмолнинг қирғоғи. Пахтазорнинг қирғоғи.* ▬ *Адолат.. конвертни олди-да, кичкинагина қайчиси билан қирғоғини қийди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *[Мурод] Мушт билан стол қирғоғини урган эди, стаканлар жиринглаб сакраб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Чуқур нарсаларнинг юқори чегараси, чети, ёқаси. *Жарнинг қирғоғи. Челакнинг қирғоғи.* ▬ *Ҳайтовур, жаҳаннамнинг қирғоғига чиқиб олдик.* Ойбек, Куёш қораймас.

ҚИРҒОҚЛАБ *кам қўлл.* Қирғоқ бўйлаб. *Ғирқираб роҳатбадан шаббода қирғоқлаб эсиб, Шарқираб ўйнаб-тўлиб, тўлқин уриб кулгу келур.* Ҳабибий.

ҚИСАКЎЗ *кам қўлл.* Қисиқ кўзли, кўзлари қисиқ. *Самбит қомат, от юзли, қисакўз буфетчи Розиқвой рухсат сўраб, кабинет эшигини очди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ҚИСАТМОҚ *шв.* **1** Қистамоқ; шоширмоқ, қичамоқ.

2 Тез юришга ундамоқ, ҳайдаб тезлаштирмоқ. *Биясин етаклаб, йўлбарсдай бўлиб, Қисатиб чиқди занглаб ётган чўлига.* «Гўрўғли».

ҚИСИБ-ҚИМТИБ *рвш.* Режаси билан, иқтисод қилиб, тежаб-тергаб. *Қисиб-қимтиб, борини етказмоқ.* ▬ *Бир хасис киши умр бўйи қисиб-қимтиб, емай-ичмай, пул тўплайверибди.* Газетадан. *Ўз нафсларидан қисиб-қимтиб юборишаётган бўлса-чи?* «Муштум».

ҚИСИЛМОҚ Қисмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Этаги эшик орасига қисилиб қолди. Муштни қисилди. Деворга қисилди. Бурчакка қисилди. Пулдан қисилди. Юраги қисилди. Кўзлари қисилди.* ▬ *Комил аввалгидек уй-рўзғорни тебратиб турар, оила емоқ-ичмоқдан қисилмас эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 *кўчма* Руҳан танглик сезмоқ, диққат бўлмоқ; сиқилмоқ; тортинмоқ, қисмоқ. *Аввалги оиласини эслаб қисилади, ишдан чарчайди, ичади-да..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Биласизми, шу кунларда шундай қисилган эдимки, қалбим ўт бўлиб ёнди.* Х. Тўхтабоев, Шонли авлод. *Энди оғзига келганини қисилмасдан гапиришга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИСИМ *айн.* **сиқим**. *Қисимига сиққанча. Бир қисим ун.* ▬ *[Авазхон] Турсун деган*

мешкопнинг қўлига бир қисим тилла узатди. «Зулфизар билан Авазхон». *Ҳа, қурумсоқ, тўртта кулча билан бир қисим жийда кимни ўлдирибди.* Т. Алимов, Совға.

ҚИСИМЛАМОҚ *айн.* **сиқимламоқ**. *Муаззам йўл четида осилиб турган тол новдасидан кўм-кўк баргларини қисимлаб сидириб олди-да, маъюс гапира бошлади.* С. Аҳмад, Раҳмат, азизларим. *Бобоқул ота ҳассасини маҳкамроқ қисимлайди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИСИНМОҚ 1 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ботинолмай, истиҳола қилиб тортинмоқ, ийманмоқ, қимтинмоқ. *Қисинмасдан, ёзилиброқ ўтиринг.* ▬ *Носир ака қисиниб-қимтиниб ичкари кирди.* Газетадан.

2 *кам қўлл. кўчма* Моддий қийинчиликда яшамоқ, бирор нарсадан муҳтожлик сезмоқ, сиқилмоқ.

ҚИСИНҚИ *шв.* **1** Сиқиқ, танг, қисиқ. *Қисинқи кўзлар.*

2 *кўчма* Тортинчоқ, уятчан. *Қисинқи бола.*

ҚИСИНҚИЛИК 1 Сиқиқлик, торлик; тортинчоқлик.

2 *кўчма шв.* Моддий қийинчилик, муҳтожлик.

ҚИСИР I **1** Бўғоз бўлмай қолган, қочмаган ёки қочиб бўғоз бўлмаган. *Қисир сигир. Қисир қўй. Қисир сигир кўп маърайди.* Мақол. ▬ *Астағфирулло денг, тўрам! Куни кеча ўзлари қисир ғунажинни бўғоз деб сотдилар.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2 *бот.* Чангланмаган, уруғланмаган; ҳосил бермайдиган. *Қисир гул.*

ҚИСИР II *тақл. с.* Ёғоч ва б. баъзи нарсаларнинг синишидан, қисмларининг қимирлаб, бир-бирига ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *У ўтирган стул қисир этди.*

ҚИСИРЛАМОҚ «Қисир», «қисир-қисир» этган товуш чиқармоқ. *Қимирласам, стул қисирлайди. Қовурғаларим қисирлаб кетди.* ▬ *Аммо ўзи [қоғоз пул] банкдан янги чиққанидан экан! Қисирлашини эшитяпсанми, аяси!* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Баширжоннинг сўзи оғзида қолди, ҳамма ёқ қисирлаб, ер силкина бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚИСИРЛАТМОҚ Қисирламоқ фл. орт. н. *Шамол дарахтларни қисирлатди.* ▬ *Алиохун.. керишди, бармоқларини қисирлатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бектемир тишларини қисирлатиб, бўғилиб ётди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚИСИР-ҚИСИР Қисир с. такр. *Ер қимирлаганда, синчлар қисир-қисир қилиб турди.* ▬ *Ўғит ташиётган араваларнинг қисир-қисири эшитилди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ҚИСИҚ 1 Қисилган, сиқилган. *Қисиқ мушт.*

2 Кичик, тор ёки юмилинқираган, юмилган; юмуқ. *Унинг [Холмуроднинг] қисиқ кўзлари кулгидан баттар қисилиб.. кетгандай эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *кўчма* Сиқиқ, танг. *Қисиқ аҳвол.*

4 *шв.* Танги, тор дара. *Норин дарёси тоғ қисиқларидан водий кенгликларига отилиб чиқади.* М. Эгамбердиев, Сариқ аждар ҳамласи.

Бўйни қисиқ 1) бўйни сиқилган ёки калта; 2) *кўчма* бўйни эгилган; тобе. *У [Элмурод] бўйни қисиқ етим эмас.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тили қисиқ** *қ.* **тил**.

ҚИСМ [*а.* قسم – бўлак; улуш, ҳисса, бўлим, бўлинма] **1** Бутуннинг таркиби, узвий бўлаги ёки ҳиссаси, улуши. *Дароманинг учдан бир қисми. Меҳмонларнинг бир қисми.* ▬ *Хуллас, Туямўйинга келиб, излаб юрган нарсаларимнинг бир қисмини топгандай эдим.* С. Сиеев, Ёруғлик. *Йўлнинг қолган қисмига эшак иш берди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Анвар ўзини супанинг қоронғи қисмига олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бир иш, мажлис, асар ва ш.к. нинг маълум даражада мустақилликка эга бўлган алоҳида бўлаги; бўлим. *Уч қисмдан иборат роман.* ▬ *Институтдаги кечада ҳисобот доклади тугади. Сўнгра бадиий қисм бошланди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. *Моҳидил етиб келганда, тантанали қисм бошланиб қолганди..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Меҳмонлар билан вакилларнинг қизғин табриклари, хайрли тилакларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Машина, механизм, иншоот ва ш.к. ни ташкил қилган бўлаклардан ҳар бири; деталь. *Тракторнинг эҳтиёт қисмлари.* ▬ *Эмин уни [пулемётни] шошилиб қўлига олди-да, бир зумда қисмларини ажратиб, газетага териб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *ҳарб.* Қуролли кучлар таркибидаги алоҳида бўлим, бўлинма ёки бирикма. *Ми-*

номётчилар қисми. Полкнинг санитария қисми. Қисм командири. ▬ *Шу чоқ артиллерия қисмлари оғир тўплари билан ўта бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Жароҳатларим битиб кетиши билан яна қисмимга қайтиб бордим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ҚИСМА Қисиб қўйиладиган, қисиб турадиган. *Бошлиқ оппоқ чўққи соқолли, ориқ, учи тўмтоқ бурнига қисма кўзойнак қўндирган мўйсафид эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚИСМАН [*а.* قسماً – бирор бўлак, қисм жиҳатдан; бир оз, бир қадар] Маълум бир қисми бўйича, бир жиҳатдан; тўла ҳолда эмас; маълум даражада. *Фикрингизга қисман қўшиламан. Гапингиз қисман тўғри. Қуёшнинг қисман тутилиши. Маблағларни қисман сафарбар қилмоқ.* ▬ *Мен яна такрор айтаман, қисман хотинингиз айбли бўлса, асосан бунинг бош айбдори ўзингиз.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. *Равшан воқеадан қисман хабардор бўлганидан Ҳодиқул аканинг келиш сабабини пайқади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ҚИСМАТ [*а.* قسمت – тақдир, қазо; улуш; бўлиш] **1** Гўё олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага ёзилган кўргилик; ёзмиш, тақдир. *Қадим замонларда одамлар дунёдаги ҳамма нарса қисматга боғлиқ, деб ўйлаганлар.* Газетадан. *Қисмат экан, бу ерларда юрибсиз, уста Журжоний.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳали севишмоқдан шумидир маъно? Фақат азоб бордир қисматда наҳот?* Ҳ. Олимжон. *Ўзгалардек уни ҳам қисмат Олиб келди охир қабрга.* Э. Воҳидов.

2 Умуман, бошга тушган кўргилик, кечмиш ҳаёт; аҳвол. *Ўша замонда барча илғор фикр ва ақл эгаларининг қисмати бир хил эди.* Газетадан. *Нажмиддин Бухорий, акаси Бойбўрининг зулмидан бошқа юртларга кўчиб кетган Бойсари қисматида ўз қисматини кўриб, кўзларидан ёш чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳақиқатан ҳам Сўлимбекдай қишлоқнинг бошига тушган қисмат кўпларни қаттиқ ранжитган эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Ҳаёт-мамот масаласи, тақдир; белгиланган умр, насиба. *Бутун ёшлигимиз жангдадир букун, Жангда ечилмоқда севги қисмати.* Ҳ. Олимжон. *Ҳазрат.. кетиб юборишни ҳам ўйлади-ю, ҳали Жабборбек қисмати ҳал бўлмагани.. Иброҳимбек кетиб қолганини эслаб, Фузайл махсумга маъноли тикилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Ҳасан овчининг қисмати битди, деб тахмин қилган элликбоши уни тезроқ қалъага дикиллатиб олиб боришга ошиқарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

4 *эск. кт.* Қисм, ҳисса, улуш. *Қалин қисматини жуда кўп беринг, Не сўраса, берайин, қабул қилинг.* Пўлкан шоир.

ҚИСМОҚ 1 Орасига олмоқ, орасига олган ҳолда тутмоқ, сиқиб ушламоқ; сиқмоқ. *Валиевнинг бир ўзи столга тирсагини таяб, икки кафти билан чеккасини қисиб ўтирибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тешабой олдидаги қовун косадан шошилмасдан бир тилим олди-ю, оғзига келтирмай, икки бармоғи орасида қисиб туриб: -Тақсир, – деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен билан жилмайиб кўришди-да, қўлидаги газетасини буклаб, қўлтиғига қисди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Темир қип-қизил бўлгач, омбурда қисиб олади-да, сандалга қўяди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Сиқув, исканжага олмоқ; эзмоқ, сиқмоқ. *Бегона ўтлар ғўзани қисиб қўйибди.* ▬ *..иккинчи марта экилган чигитни шўр қисиб, ер бетига чиқармай қўйди.* «Муштум». *Кампир, резинкаси оёғини қисиб юборган шекилли, капрон пайпоғини ҳимариб, тўпиғига тушириб олибди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 *кўчма* Бўғмоқ, нафасини қайтармоқ. *Унинг ҳалқумини дард қисиб келди.*

4 *кўчма* (*ч.к. билан*) Бирор нарсадан танг ҳолатга солмоқ; сиқмоқ, толиқтирмоқ, зориқтирмоқ. *Пулдан қисмоқ.* ▬ *Мана бўлмасам, деб уни ҳам овқатдан қисиб қўйдим.* С. Аҳмад, Автобиография. *Худойим.. хотинларни уй учун яратган. Эркакларни олиб келишдан қисмасин.* Ҳ. Раҳимов, Чин ҳаёт. *..ҳусн деган нарсадан худо мени қисган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Бирлаштирмоқ, юммоқ. *Лабларини қисмоқ.* ▬ *Валихон муштини қисиб таъкидлади: -Сипоҳ керак.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ранги қум ўчган, изтиробдан қалтираган одамлар, ўз харобалари олдида тишларини қисиб, жим ўйланардилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Бошини (*ёки* **калласини**) **қисмоқ** *кам қўлл. айн.* **бўйнини қисмоқ.** *У калласини қисиб, кўкарган кўзини қўли билан тўсиб турган Жамол писмиққа мурожаат қилди.* М. Ис-

моилий, Фарғона т. о. **Бўйнини** (*ёки* **бўйин**) **қисмоқ** 1) бўйнини ичига тортмоқ (одатда бирор маъно ифодалаш учун, мас., билмаслик, хабарсизлик маъносини билдириш учун шундай қилинади). *Рисолат хола бўйнини қисиб, ўзи ҳам бу сирнинг боисидан бехабарлигини билдирди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2) шахснинг қисинган, тушкун ҳолатини билдиради; бўйин эгмоқ. *Бир кун эримнинг узоқ сайилга кетганини эшитиб, уйимга етим боладек бўйнини қисиб кириб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қаршисида ёлворгандай бўйин қисиб турган йигитга раҳми келди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Думини қисмоқ** 1) думини оёқлари орасига олмоқ (ит ҳақида – одатда қўрққан ҳолатларда шундай қилади). *Ит жуда қўрқоқ экан. Думини қисиб, бир менга, бир Асетга қараб, бостирманинг тагига кириб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор; 2) қўрқиб, ҳайиқиб жим бўлмоқ. *..қаттиқроқ гапириб, ҳукуматни эсга солсанг, думини қисади бу чайқовчилар.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **Елкасини қисмоқ** 1) бўйнини ичига олиб, икки елкаси бир оз кўтарилган ҳолатда бўлмоқ. *Мутриб одатича ерга қараб, елкасини қисиб, бир-бир одим ташлаб кетарди.* С. Сиёев, Аваз; 2) *айн.* **бўйнини қисмоқ 1.** *-Сомон олганмисиз? Агроном.. елка қисди: -Билмадим.. болалар кеча-печа олиб келган бўлмаса.* С. Сиёев, Отлиқ аёл; 3) *айн.* **бўйнини қисмоқ 2.** *Жуман, мен елкамни қисиб келдим, болаларга айт, мени қайта тарбиялашсин..* А. Мухтор, Туғилиш. **Кўз(ини) қисмоқ** 1) бирор сабаб ёки таъсир билан кўз милкларини бир-бирига яқинлаштирмоқ, кўзни юмиш даражасигача торайтирмоқ. *..у сел-сел терлаганига ҳам парво қилмай, кўзларини қисиб, йўлга қаради.* «Ёшлик». *Чарақлаган офтобга қарагандай, кўзларини қисиб, Темурга ўгирилди.* С. Сиёев, Ёруғлик; 2) бирор маъно ифодалаш, белги бериш учун кўз (одатда бир кўз) милкларини жуфтламоқ. *Раиснинг қарашидан бу насиҳатнинг маъносига тушунган мудир.. қўлини кўксига қўйиб, чап кўзини қисиб деди..* «Муштум». *Дарҳол кўзимни қисдим. Бир майизни икки бўлиб ейдиган Мўмин дўстим фикримни пайқади.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. **Тилини қисмоқ** Гапирмай (гапиртирмай) қўймоқ; гапиришдан тийилмоқ. *Ўликми-тирикми, билармиз. Ман ҳам қараб турмайман. Аммо сўз тарқалмасин, айт, хотининг тилини қиссин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Юрагини қисмоқ** Хафақон, диққат қилмоқ; руҳан эзмоқ. *Саҳродаги бир хил манзара кишши юрагини қисиб, уни диққинафас қилиб юборади.* К. Яшин, Ҳамза.

ҚИССА [*а.* قصّه – тарих; ҳикоя, ривоят, воқеа] **1** *ад.* Асар асосида ётган қамровнинг романга нисбатан торлиги, ҳикояга нисбатан кенглиги, шунга мувофиқ ҳолда, сюжет ва композициянинг ҳам романга нисбатан соддалиги, ҳикояга нисбатан мураккаблиги билан характерланувчи бадиий асар. *Автобиографик қисса. Тарихий қисса. Фантастик қисса.* ▬ *Ёшлар яратаётган роман, қиссалар, очерк, ҳикоялар.. аксариятида этик истеъдоднинг ёрқин ифодаси бор.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 *ад.* Ўзбек мумтоз адабиётида воқеий ҳодиса ёки афсоналар баён қилинган эпик асар; ҳикоя, ривоят. *Қиссаи Сайфулмулук. Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси.*

3 *с.т.* Бирор нарса, кимса, воқеа-ҳодиса ва ш.к. ҳақида оғиздан оғизга кўчиб юрадиган ҳикоя, нақл. *Раҳимахоннинг қиссаси жуда узоқ. Унинг мураккаб ва машаққатли йўли ҳақида катта китоб ёзса арзийди* Н. Сафаров, Раиса. *Қудрат.. мароқли бўлган шарқ эртаклари, қиссалар ва латифалар айтиб, солдатларни тоза кулдирди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

Қиссадан ҳисса Айтилганлардан, нақлдан келиб чиқадиган мақсад ёки хулоса. *Қиссадан ҳисса мана: Ҳар ишда керак бардош, Меҳнат, чидам бирикса, Олдида мум бўлур тош.* Қ. Муҳаммадий.

ҚИССАГЎЙ [*а.* + *ф.* قصّه‌گوی – қисса айтувчи] **1** Қисса ўқувчи, айтувчи.

2 Қисса ёзувчи, қиссанавис. *Қиссагўйлар, тарихнавислар ана шу ерлар [чўллар] фожиаси ҳақида, афсуски, ёдгорликлар ва китоблар қолдириб кетмаганлар.* Миртемир, А. Пўлат, Сирдарё сепи.

ҚИССАГЎЙЛИК Қисса айтиш, ўқиш. *Қиссагўйлик шу ерда тугади. Камолиддин тирсакларини столга тираб, икки қўли билан бошини ушлаб қолди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ҚИССАНАВИС [*а.* + *ф.* قصّه‌نویس – қисса ёзувчи] Қиссалар, ҳикоялар ёзувчи адиб.

ҚИССАНАВИСЛИК Қисса ёзиш. *Бутун умримни ҳар йўл билан миллат хизматига*

сарф қилмоқдаман. Шу йўллардан бири қилиб, эндиликда, қиссанависликка киришдим. А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

ҚИССАХОН [*а.* + *ф.* قصه‌خوان — қисса ўқувчи] Афсона, ривоят ва достонларни ифодали қилиб айтиш ёки бадиий ўқиш маҳоратига эга бўлган профессионал ижрочи. *Кўкнорихона аҳлининг ўзларидан қиссахонлари ҳам бор.* Фитрат, Қиёмат.

ҚИССАХОНЛИК Йиғилишиб, кўпчилик бўлиб қиссалар, ҳикоялар ўқиш, айтиш ва эшитиш анъанаси. *Ҳар кун кўкнор ичилгандан кейин қиссахонлик бошланади.* Фитрат, Қиёмат. *Деҳдор жуда таъсирли овоз билан ашула айтади. Қиссахонлик бошлангандан ҳамманинг оғзи очилади.* Ойбек, Навоий.

ҚИССАЧИ *с.т.* Қиссахон, қиссагўй. *Замон кўп гапни ёқтирмайди, аммо жойини топиб, одамини учратиб қолса, ундан уста қиссачи йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚИССАЧИЛИК Қиссанавислик, қиссалар яратиш. *Воқеликнинг бадиий манзарасини яратиш истиқлол даври қиссачилигининг асосий муаммоларидан саналади.* Газетадан.

ҚИСТАЛАНГ Кечиктириб бўлмайдиган, шошилинч, ошиғич, қистовли. *Йиғим-теримнинг қисталанг кунлари.* ▬ *Қачон қарасанг, раиснинг вақти шунақа қисталанг, бемалол гаплашиб бўлмайди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Тўйнинг бунақа қисталанг бўлишига сабаб — қизнинг отаси бир неча ойдан бери бетоб.* А. Қаҳҳор, Муҳайё.

Қисталанг қилмоқ Тез бўлишга қистамоқ; шоширмоқ. *Янги участка бошлиғи мажлис тайёрлашни жуда қисталанг қилгани учун Поччаев.. ўзи югуриб-елиб, бюро аъзоларини тўплади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қисталанг қилманг, Манноп ака, ҳозир ҳемирим йўқ..*Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚИСТАЛАНГЛИК Қисталанг ҳолат. *Қоплонбек ўзининг Саидакбар ҳожи томонидан дўконида совуқ кутиб олинганини иши кўплиги ва қисталанглигига йўйиб юрган эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ишнинг қандай қисталанглигини биласизларми ўзи?!* Ш. Ғуломов, Чўл белида.

ҚИСТАЛОҚ *айн* **қизиталоқ**. *Қани, чиқ, қисталоқ! Бир тангани бер!* «Олтин олма».

ҚИСТАМОҚ 1 Бирор иш-ҳаракат қилишга зўр бериб ундамоқ ёки зўрламоқ, ҳолжонига қўймай илтимос қилмоқ. *Қаландар йигит бир тилик ҳандалакни ийманиб еди.. Авазнинг қисташига қарамай, қайтиб ҳандалакка қўл урмади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Унинг [Шарофатнинг] мўлжалига кўра, Сидиқжон яна қасам ичиши, юр, деб қисташи, ҳолжонига қўймаслиги керак эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Зўр бериб шоширмоқ, қистовга олмоқ, ошиқтирмоқ. *[Ўзбек ойим] Тўйни тез бошлаш учун ўғлини Марғилон кетмакка қистай бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анвар унинг сидқидилдан гапираётганини тушунди шекилли, яна қистади: -Кеч бўлиб кетяпти, тур..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Қайтиб беришни (қайтаришни) талаб қилмоқ. *Тўйда тўнингни қистама.* Мақол. *Нокасдан қарз бўлма — ҳам йўлда қистар, ҳам гўрда.* Мақол. ▬ *Бир куни мусаллас суздим, сузмасам бўлмас эди, Чунки амаким хумини қистади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

4 Тез юришга ундамоқ, тезламоқ. *Ҳўкиз калласини эгиб, омочни тортишга уринар, қўшчи ҳадеб қистар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ул икки йигит саҳар вақти от қўйганича Чамбил йўлида қистаб йўл босди.* «Бўтакўз».

5 (*шахс қўшимчали сўзлар билан*) Ўзидан олдин келган сўз билан ифодаланган иш-ҳаракатни бажаришга кучли хоҳиш ёки қайтариб бўлмайдиган талаб пайдо бўлганлигини билдиради. *Кулгим қистади. Билгиси қистади. Сўзлагиси қистади. Йўталгиси қистаяпти. Ғайратсизнинг ғайрати иш битганда қистайди.* Мақол. ▬ *Жаҳлим қистаб, тишларим ғижирлаб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Биласизми, кўнглинг қўмсаганини кўргинг қистаганда кўролмасанг.. жуда оғир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *[Қаюмнинг] Бу ҳаракатидан аччиғим қистади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИСТАНГЛАМОҚ *шв.* Қистамоқ, қистовга олмоқ. *-Бизни ҳадеб қистанглайсиз-у, келин аямга индамайсиз-а, Муса ака, — аёллардан бири гап қотди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚИСТАТМОҚ Қистамоқ фл. орт.н. *Қарзни қистатмай қайтармоқ. Унинг кўриниши кишининг кулгисини қистатади.* ▬ *Хонимбиби қизларга қистатиб ўтирмай, ўрнидан сакраб турди-да, ўйнаб ҳам кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚИСТИ-БАСТИ: қисти-бастига олмоқ Қийнов-қистовга олмоқ. *«Буни қаердан ол-*

динг?» деб танга келтирган мерганни қисти-бастига олибдилар. «Олтин олма». *Қани, айтчи, хатчани сенга ким олиб келиб берди, айт? — деб қисти-бастига оларди..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ҚИСТИРИҚЛИК Қистирилган, қистириб, тиқиб, суқиб қўйилган. *Замоннинг.. эгнида барлари белбоғига қистириқлик қора чопон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *[Кампир] Негадир шошиб, қўйлаги енгига қистириқлик рўмолчани олиб, қўлларини артарди.* Ў. Умарбеков, Она.

ҚИСТИРМА 1 Нарсаларнинг ўртасига, орасига қистириб, тиқиб, суқиб қўйилган нарса. *Содиқжон бойвачча.. ҳамёнига қистирма пуллар дарёдай оқиб кела бошлагандай ҳис қилиб ўтирарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу каби қистирма ҳикоялар бадиий фош этиш имкониятларини кенгайтиради, чуқурлаштиради.* «ЎТА».

2 *тех.* Машина, механизм, иншоот қисмларининг бирикиш юзасини зичлаш учун орасига қўйиладиган юпқа эластик деталь. *Резина қистирма. Мис қистирма.*

ҚИСТИРМОҚ 1 **Қисмоқ** фл. орт. н. *Қўлтиғига китоб қистирмоқ. Лабига папирос қистирмоқ. Этагини липпасига қистирмоқ. Чаккасига гул қистирмоқ.* ▬ *Тешабой ота белбоғига қистирган каттагина дастрўмолни олиб, терлаган юз-бетларини артди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Ўғлим, ана у беҳининг каллагига газета қистириб қўйган эдим, шуни олиб кел.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 *с.т.* Қўлига тутқазмоқ, ушлатиб қўймоқ, бермоқ. *Домла орқага ўтиб.. Саидийнинг қўлига қоғоз қистирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *-Йўқ, тоғажон, оласиз, — деди Баширжон пулни унинг кафтига қистиришга уриниб.* Н. Аминов, Суварак.

3 *этн.* Тўй-ҳашамларда ўйинчи, ҳофиз ва ш.к. ни рағбатлантириш учун чаккасига ёки қўлига пул суқиб қўймоқ. *Ўйинчига кўплар пул қистирди.* ▬ *-Шунча пул қистиришса ҳам хафасан-а? -Пул алмаштирилгандан кейин, тангани қандай қистиришаркин, деб ўйлаб қолдим.* «Муштум».

4 *кўчма* Бирор нарсанинг баёни, ҳикояси давомида ниманидир қўшиб кетмоқ, тилга олмоқ. *Экиш мавсуми давомида еттита ҳайдов тракторининг бирор кун ҳам ишламаганини докладингнинг ўртароғига қистириб ўтарсан.* «Муштум». *Тўланбой мўйлов.. икки гапнинг бирига ё байт, ё бўлмаса ибратли бир ҳикоят қистириб ўтмаса, кўнгли жойига тушмайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *[Зокир ота:] Камчиликларни танқид қилганимда, мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам бўлар эди, лекин бу масала алоҳида қўйилганлиги учун қистирмадим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Гап (*ёки* **сўз) қистирмоқ** Гап қўшмоқ, луқма ташламоқ. *-Ўз-ўзини мақташлик.. — писанда аралаш гап қистирди Иззат Мардонович..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *-Хурсанд! — деб сўз қистириб қўйди Муса.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *с.т. дағл.* Иш, ўқиш ва ш.к. га киргизиб қўймоқ, жойламоқ. *[Заргаров:] Ие, тағин нима қилдим дейди-я! Хотининг ўқийман деса, битта-яримта мактабга қистириб қўймайсанми-ю, яна битта туққанидан кейин ўзи ташлаб кетмайдими?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ҚИСТИР-ҚИСТИР *с.т.* Кўпчилик томонидан кетма-кет, давомли тарзда пул қистириш. *Ашулачилардан ўн тўда. Уларга қистир-қистиридан ташқари икки юз сўм пулни тугиб, хотинига бериб қўйди.* «Муштум». *Қистир-қистир бўлган жойда Шармҳаё деган қайда?* Т. Йўлдош, Отарчилар.

ҚИСТИРҒИЧ *айн.* **қисқич 2**.

ҚИСТОВ 1 **Қистамоқ** фл. ҳар. н. *Иш шошилинч эмас, қистовнинг кераги йўқ..*

2 Қаттиқ қисташ, қисталанг қилиш; қисташлик, қистоқ. *Тўй қистови билан тўн битар.* Мақол. ▬ *Элмурод ҳамманинг баравариға қистовига қарамай, тўрга чиқмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Раис.. Қодиржоннинг қистови билан фикрини очиқ айтишга мажбур бўлди.* М. Назаров, Жилвон жилғалари.

Қистов қилмоқ *кам қўлл. айн.* **қистовга олмоқ.** *Танҳо ёлғизликда кам-кам ёзиб юрардим, сўнгги пайтларда хўжайинлар қистов қилишди, босиб ўтиришга тўғри келди..* А. Ҳакимов, Илон изидан. **Қистовга олмоқ** Қаттиқ қистамоқ, қисталанг қилмоқ, шоширмоқ. *Унинг пирпираб турувчи узун киприклари остида чиройли жилмайган кўзларидан «мунча одамни қистовга оласиз?» деган гинани уқдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *-Айт, у ким? Нега очиғини айтмайсан? — деб қистовга олди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

3 *айн.* **қистовли.** *Директор энг олдин ана шу шошилинч, қистов ишларни адо этарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *У яна.. гап бошлармикан, деб қўрқиб турган эдим, йўқ, иши қистов экан, боғига кетди.* С. Аҳмад, Лочин.

ҚИСТОВЛИ Сира кечиктириб бўлмайдиган; зуд, зарур, ошиғич. *Қистовли иш.*

ҚИСТОҚ *айн.* **қистов 2**. *Алижон Лолахоннинг қистоғи билан.. бир марта бориб келди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

Қистоққа олмоқ *айн.* **қистовга олмоқ** *қ.* **қистов 2**. *Фаришталар кўплашиб, холани қистоққа олдилар.* Ғайратий, Довдириш.

ҚИСТОҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Қаттиқ қистамоқ, қистовга олмоқ. *Аламли сўздан.. Қистоқлаб бари, тинглашди қўймай.* F. Fулом.

ҚИСУВ *айн.* **сиқув, қистов.** *-Ҳе, Тўхтасин, сенда тутуриқ борми ўзи? — деб қисувга олди.* «Муштум».

ҚИСҚА 1 Бўйлама ўлчами, узунлиги унча катта бўлмаган; калта. *Қисқа ёғоч. Қисқа юбка. Қисқа йўл. Қисқа сочли аёл. Бўйи қисқа одам. Бўйни қисқа от. Қисқа метражли фильм. Ёғочни узун, темирни қисқа кес.* Мақол. ▬ *Икки йўловчининг қисқа соялари катта-кичик тош, турли дашт ўсимликлари устидан эгилиб борар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Салимбойвачча эса, катта йўлга қараганда анча қисқа, ёлғизоёқ йўлдан ўз боғига кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..хушбичим бурун тагида буровга келмаган қундуз мийиқ, иякни жуда ҳам чиройли ўраб олган қора қисқа соқол.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Давомлилиги кичик, узун эмас; ихчам. *Қисқа жумла. Қисқа ахборот.* ▬ *Умар Хайёмнинг қисқа, лекин сермазмун байтларига сингдирилган ҳаёт фалсафаси буюк, ҳаёт ва дунёдайин бепоён.* Газетадан. *Ўқитувчи қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратига эга бўлмоғи лозим.* Р. Усмонов, Одобнома. *Ёнимда хаёл суриб ўтирган бек: -Борганда биласиз, домла, — деб қисқагина жавоб қилиб қўя қолди.* Ҳ. Fулом, Машъал.

Қисқа қилмоқ Чўзмаслик (гап, сўз ҳақида). *-Қиёмхонингиз қачон келаман, деди? — деб сўради мол дўхтири қисқа қилиб.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 Давомийлиги узун бўлмаган (вақт ҳақида); *зид.* **узун**. *Қисқа муддат.* ▬ *Ёз кечаси қисқа. Йўлчи бир чимдим ухлаб.. кўзини очаркан, тонг отган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эндиги муҳим вазифа — ўримйиғимни ғоят қисқа фурсатда уюшқоқлик билан ўтказишдан иборат.* Газетадан.

Ақли қисқа Меъёрида фикр-мулоҳаза қила олмайдиган. *Тили узуннинг ақли қисқа.* Мақол. ▬ *-Сочи узун, ақли қисқа, — деб хотинини яна жеркигандан кейин Содиқ давом этди..* С. Айний, Қуллар. **Гапнинг қисқаси** Гапнинг лўндаси, лўнда қилиб айтганда. *Гапнинг қисқасини айтинг.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гапнинг қисқаси.. анча сарсон бўлдик.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Тили қисқа** *айн.* **тили қисиқ** *қ.* **тил. Қисқа ўйламоқ** Етарли даражада фикр-мулоҳаза қилмаслик, юзаки фикр қилмоқ. *Ёшликдан, қисқа ўйлаганликдан у бечораларни анча ташвишга солдингиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қисқароқ ўйлайсиз, Отабек!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қўли қисқа** *қ.* **қўл 10.**

ҚИСҚАЙМОҚ *с.т.* Қисқармоқ.

ҚИСҚАЛИК Қисқа ҳолат, қисқа эканлик. *Вақтнинг қисқалиги. Гапнинг қисқалиги.*

ҚИСҚАРМОҚ 1 Бирор жиҳатдан (бўйи, узунлиги, ҳажми, миқдори ва б.) ўлчами қисқа ҳолга келмоқ. *Йўл қисқарди. Иш соати қисқарди. Харажатлар икки ҳисса қисқарди.* ▬ *Сентябрнинг охирлари. Кунлар қисқариб, тунлар эса узая бошлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ўртадаги масофа тобора қисқариб бормоқда.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *..ғалла камайиб, пахта майдонлари қисқариб, чорва турли офатларга учраб, юртда очарчилик ва қаҳатчилик бошланди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *мат.* Бирор сонга касрсиз бўлинмоқ; шундай сонга бўлингандан кейин кичик сонларда ифодаланмоқ. *Бешга қисқармайдиган сонлар. Бу каср учга қисқаради.*

ҚИСҚАРТИРМОҚ Қисқармоқ фл. орт. н. *Кўйлакни қисқартирмоқ. Чекиш умрни қисқартиради. Таъмир харажатларини икки марта қисқартирдик. Касрни тўртга қисқартирмоқ.* ▬ *Нега [худо] мен учун ернинг танобини тортиб, йўлни қисқартирмайди!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИСҚАРТМА 1 Қисқартирилган, мухтасар матн. *Диссертациянинг қисқартмаси. Романнинг қисқартма варианти.*

2 Сўзнинг маълум шаклда қисқартиб берилган ифодаси — шартли қисқартмалар. Мас., *ва б.* (ва бошқалар) *ва ш.к.* (ва шу кабилар), *А.О.* (Абдулла Орипов).

Қисқартма отлар Бирикма номлар компонентларининг маълум қисмларини қисқартириб, қўшиб ҳосил қилинган отлар. Мас., *ДАН* (Давлат автомобил назорати), *ЎзАС* (Ўзбекистон адабиёти ва санъати), *ТошДШИ* (Тошкент давлат шарқшунослик институти).

3 Матннинг қисқартирилган ери, қисми; қисқартиш. *Муҳим қисқартмалар.*

ҚИСҚАРТМОҚ *айн.* **қисқартирмоқ.** *Мақолани қисқартмоқ. Штатни қисқартмоқ.* ▬ *..сочини қисқартган бу қизча катта ёшли эркаклардан ҳам донороқ бўлган.* С. Айний, Қуллар.

ҚИСҚАСИ 1 Қисқа с. 3-ш. шакли. *Арқоннинг узуни, гапнинг қисқаси яхши.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 *крш. с.* Қисқа, лўнда қилиб айтганда, гапнинг лўндаси; хулласи калом. *[Оқила:] Ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотин.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ҚИСҚАЧА Қисқа шаклдаги; мухтасар. *Қисқача луғат. Қисқача ахборот. Қисқача таржимаи ҳол. Қисқача сўзламоқ. Фикрини қисқача (қилиб) баён этмоқ. Менинг сўзим қисқача.* ▬ *Мен бунга қисқача жавоб ёзиб, «Янги йил сиз эсон-омон келган куни киради», дедим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Йўлчи Гулнорнинг бошини силаб, воқеани қисқача айтиб берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИСҚИЧ 1 Нарсаларни қисиб ушлаш учун ишлатиладиган асбобларнинг умумий номи. *[Қудрат] Чап қўлидаги узун темир қисқичда қисилган ва устини кул босган бир юмалоқ темир чўғни сандонда болғаламоқда.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қоғоз ва ш.к. ни бир-бирига ёки бирор нарсага бириктириб, қистириб қўйиш учун ишлатиладиган мослама; скрепка. *Насриддинов яна столига қўл чўзди, темир қисқич билан қистирилган икки варақ қоғоз олди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ҚИСҚИЧБАҚА Бўғимоёқлиларга мансуб, чучук сув ҳавзаларида яшайдиган, танаси қаттиқ қобиқ билан қопланган, калласи ёнида панжалари бўлган жонивор.

ҚИТДАЙ, -дек 1 Жуда оз, озгина, жиндай. *Қитдай мизғиб олмоқ. Оёқларида қитдай мадори йўқ.* ▬ *Гулсумбиби уйда қитдай ўтин, қитдай кўмир йўқлигини сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* (*асосан, такрор ҳолда* — **қитдай-қитдай**). Спиртли ичимликни билдиради. *Бир сафар Ҳошимжон «қитдай»ни отиб келди-да, яна йўлини тўсди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Қитдай (қитдай-қитдай) қилмоқ Спиртли ичимлик ичмоқ. *Эрталаб турсам.. бошим бировникига ўхшайди. Қитдай қилдим-у, сенинг олдингга жўнадим.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Зиёфат бошланди, қуюқ-суюқ тортилди, енг ичида қитдай-қитдай ҳам қилинди.* «Муштум».

ҚИТИЛЛАМОҚ *айн.* **қитирламоқ**.

ҚИТИР *тақл. с.* Қуруқ нарсаларни тирнаганда, бир-бирига ишқаганда, кемирганда ҳосил бўладиган товушни билдиради.

ҚИТИРЛАМОҚ «Қитир-қитир» овоз чиқармоқ. *Қалами енгил қитирлаб, чиройли ҳарфлар туширмоқда.* Ойбек, Навоий. *«Наҳотки улар шунчалик маккор!» деб кўнглидан ўтказди хотин ва ётоқ эшигидан қитирлаган овоз эшитиб, бетинчланди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚИТИР-ҚИТИР Қитир с. такр. *Хонага жимлик чўкади. Перонинг қитир-қитири эшитилади.* «Саодат». *Маҳмуд ака.. приёмникни бурар, приёмник қаттиқ хуштак чалар ва қитир-қитир қиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҚИТИҚ Терига, баданга бирор нарсанинг тегиши, қитиқлаши туфайли юзага келадиган асабий сезги. *Қитиғи тез одам. Қитиғи йўқ одам.* ▬ *Бегимхоннинг қитиғи зўрлигидан ўзини тутолмай «вой!» деб ёнига ташланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бувасининг бир тутамгина соқоли юзига тегиб, [боланинг] қитиғини келтириб кулдирарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қитиқ парига (*ёки* **патига) тегмоқ** *айн.* **қитиғига тегмоқ**. *У [Аҳмаджон] Аъзамнинг тегажоқлигини қоралarди: «Қитиқ паримга тегиб нима қилардинг!»* Ф. Насриддинов, Кўнгил. **Қитиқ парини** (*ёки* **патини**) **юлмоқ** *айн.* **қитиғини ўлдирмоқ**. *Мен буларнинг қитиқ патини юлиб, ром қилиб олмоқчиман.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Қитиғига тегмоқ** Ғашини, аччиғини келтирмоқ, ғашига тегмоқ. *Совуқ жавоб Содиқ аминнинг қитиғига тегди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қитиғини ўлдирмоқ** 1) ғаши, аччиғи келмайдиган, чўчимайдиган қилиб қўймоқ; 2) *кўчма* гапга кирадиган, ювош қилиб қўймоқ. *Бу қўл эриш кўринмаслиги, ҳур-*

китмаслиги учун ҳозирдан унинг кўзига иссиқ кўриниш, қитиғини ўлдириш керак. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИТИҚЛАГИЧ *физиол.* Қитиқ ва умуман ҳис уйғотадиган, асабларни ҳаракатга келтирадиган нарса, омил. *Кимёвий қитиқлагичлар.*

ҚИТИҚЛАМОҚ 1 Терига, баданга тегиб ёки тегизиб, кулги қистатмоқ. *Бир-бирини қитиқлаб, ҳиринглашган қизлар Нозикнинг сўзига қулоқ солмадилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *физиол.* Қўзғатмоқ, уйғотмоқ, таъсир қилмоқ (асабни, организмни, айрим аъзони). *Нерв учларини қитиқламоқ.* ▬ *Улар [озиқ моддалар] етарли бўлса, тўқлик маркази қитиқланиб, иштаҳа бўғилади, камайиб кетганида эса очлик маркази қитиқланиб, иштаҳа очилади.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Безовта қилмоқ, қўзғатмоқ, кучайтирмоқ. *Қовурилаётган кабоб ҳиди димоғни қитиқлайди.* Й. Муқимов, Қутлуғ қадам. *Бу гаплар кишиларнинг мудраган руҳларини қитиқлади..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хушбўй еллар билан диллар завқини Қитиқлар.. оромбахш, севикли баҳор.* Х. Расул.

Юракни (*ёки* **дилни, қалбни) қитиқламоқ** Кишига ёқиб, ширин ҳис-туйғулар уйғотмоқ, роҳат бахш этмоқ, завқ-шавқ бағишламоқ. *Машинанинг дарчасидан кираётган ўйноқи шабада дилларни қитиқлади.* Т. Расулов, Марҳамат.

4 *кўчма* ўашини ёки аччиғини келтирмоқ, зардасини қайнатмоқ. *Салимхоннинг келишмаган товуши уни қитиқлади ва у ҳам қўшила бошлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИТИҚЛИ Салга қитиғи келадиган, қитиқдан чўчийдиган, қитиғи зўр. *Қитиқли одам. Қитиқли от.*

ҚИТИҚЛОВЧИ 1 Қитиқламоқ фл. сфдш. *Ҳавони қовурилган гўшт билан кўкпиёзнинг иштаҳани қитиқловчи ўткир бўйи тутди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

2 *кўчма* Қўзғатадиган, безовта қиладиган.

Юракни (*ёки* **дилни, қалбни) қитиқловчи** Жуда ёқимли; кишига завқ-шавқ бағишлайдиган, ширин ҳис-туйғулар қўзғатадиган. *Юракни қитиқловчи куй.*

3 *айн.* **қитиқлагич**.

ҚИТМИР [*а.* قطمير – пўст, қобиқ; арзимаган, аҳамиятсиз гап, нарса, воқеа; Қуръонда: итнинг номи] Асабга, ғашга тегадиган қилиқ, хатти-ҳаракатлар қилувчи, қилдан қийиқ ахтариб, ковлаштириш билан шуғулланиб юрувчи. *Ким буни бедазорга қўйиб юборяпти, деб юрсам, сен экансан-да, тирранча! Муштдай ҳолингдан отангга ўхшаб мунча қитмир бўлмасанг?!* «Ёшлик». *Бу сафар у ҳар нарсадан бир иллат қидирадиган айрим қитмир одамлар тимсолини яратди.* М. Яҳёев, Ҳам кулдириб, ҳам ўйнатиб.

ҚИТМИРЛИК 1 Қитмир эканлик. *[Шокирвойнинг] Оддий муомаласи ҳам дағаллик, минг хил кесатиқ. Бунинг устига қитмирлигини айтинг.* А. Муҳиддин, Зебонинг севгиси.

2 Қитмир одамларга хос иш, хатти-ҳаракат, қилиқ. *У ковлаштириш, бошқаларнинг муваффақиятидан ранжиш баробарида, қитмирлик, фитналик қиларди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бўриев Самандаровнинг қитмирлик қилиб, ресурслар ҳақида маълумот бермасликка уринганини пайқади.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҚИТТАЙ *айн.* **қитдай.** *Қиттай сув. Қиттай туз. Қиттай ичмоқ. Қиттай мизғиб олмоқ.* ▬ *Осмон тиниқ, кўм-кўк шишадай, Қиттай булут йўқ.* Ҳ. Олимжон.

ҚИТТАК *с.т.* Қиттай, озгина.

ҚИТЪА [*а.* قطعه – парча; бўлак, қисм; таркибий қисм; ҳарбий қисм; шеърий парча; ер бўлаги, муайян ҳудуд] **1** Ер юзидаги қуруқликларнинг атрофидаги ороллар билан бирга шартли равишда ажратилган қисмларидан ҳар бири. *Африка қитъаси. Америка қитъаси.*

2 *кам қўлл.* Алоҳида маъмурий ҳудуд, мамлакат. *Дунёнинг кўп машҳур қитъаси эди Талай можародан ўтиб Туркистон.* М. Шайхзода.

3 *эск. айн.* **бўлтак.** *Рафиқовнинг фикри билан колхоз етти қитъага бўлинади: буларни «бўлтак» деб аташга қарор қилинади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Пахта экилган бир қитъа ер устида тўпланган бир неча колхозчилар ўртасида қизғин баҳслашув бормоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

4 *ад.* Шарқ халқлари мумтоз шеъриятида кенг тарқалган, икки ёки ундан ортиқ жуфт мисралари ўзаро қофияланган байтлардан иборат, мавзу доираси кенг, вазн имкониятлари чегараланмаган жанр.

ҚИХ I *тақл. с.* Томоқни қирганда ёки томоқ қириб кулганда чиқадиган товушни билдиради. *-Қих.. — деди Мели полвон, — Ҳамманинг терисига сомон тиқар эмиш.. қиҳ.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кампир унда-бунда қолган.. тишларини очиб, қих-қих кулди ва хўжайиннинг буйруғини кутди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИХ II *айн.* **қиха.**

ҚИХА *бол.* Кир, ифлос. *Бу қиха, ема.*

ҚИХҚИХЛАМОҚ «Қих-қих» деган овоз чиқармоқ ёки кулмоқ. *Жамолбой ҳаммага бир-бир қараб, қих-қихлаб кулиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИЧАМОҚ *шв.* **1** Бирор иш-ҳаракатни тезроқ бажаришга тиришмоқ, шошилмоқ, ошиқмоқ. *Парларидан терлар оқиб боради, У ҳавода қичаб парвоз қилади.* «Алпомиш». *Кечга қолмайлик, деб қичаб жўнади.* «Ширин билан Шакар».

2 Шоширмоқ, шошилтирмоқ, тезлатмоқ. *Отни қичамоқ.* ▬ *Қамчи бериб, чу деди. Қаттиқроқ уни қичади.* «Равшан».

3 *айн.* **қистамоқ**. *Равшанхон ўғлонга бир сўз деб, пулини қичаб турибди.* «Равшан».

ҚИЧИМА Қаттиқ қичишиш ва тугунчали тошмалар тошиши билан кечадиган тери касалликлари. *Энди Чимён сувидан фақат қичима ва бодга учраганларгина эмас, бўғин оғриқ, юрак касалликларига мубтало бўлганлар ҳам шифо кўраётирлар.* М. Мансуров, Чимён суви. *..тиқилинч ва ифлос жойларда.. яшовчи кишилар турли терлама, қўтир, қичима ва бошқа юқумли касалликларга дучор бўладилар.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ҚИЧИМОҚ 1 Қичиғи қўзғамоқ (*қ.* **қичиқ 1**). *Унинг аъзойи бадани қичияпти. Яраси қичияпти. Кўзим қичияпти.* ▬ *Икковимиз ҳам бир тунаб кетгани келамиз. Орқанг қичиса, кимга қашлатишни билмасанг..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Қашимоқ; қичинмоқ. *Оёқларини қичиб қонатиб юборибди.*

Тили (*ёки* **оғзи) қичимоқ** *қ.* **тил. Томоғи қичимоқ** Бирор нарса ейиш ёки ичиш истаги, талаби қўзғамоқ (одатда ўзга ҳисобига). *Монтёр Жўраевнинг томоғи қичиган куни бирор кишининг симини шартта узиб, уйига кириб кетади.* «Муштум». *Аризалар кўплигидан фойдаланган Иноғомнинг томоғи қичиб, ер ўлчаб беришга таранг қиладиган бўлди.* «Муштум». **Қўли қичимоқ** Бирор иш қилгиси ёки муштлашгиси келмоқ. *Хотин кишини номард уради, қўлинг қичиса, ўзингга ўхшаган қўли қичиганни топиб муштлаш..* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Қиличбоз йигитларнинг юраклари тошиб, қўллари қичиб, жангни қўмсар, бўронли кунларни кутиб сабрсизланардилар.* Ойбек, Навоий.

ҚИЧИНМОҚ Қичиган жойни тинчлантириш, қичиғини босиш учун ишқаламоқ, бирор нарсага суркамоқ ёки қашимоқ; қичимоқ, тирнамоқ. *Қичиниб, ҳамма ёғини юлиб юборибди.*

ҚИЧИТМОҚ Қичимоқ фл. орт. н. *Қичитқи ўт баданимни қичитиб юборди. Тутун томоғимни қичитяпти.* ▬ *Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Йигит] Бу гапни ҳам унинг тилини қичитиш учун айтган бўлса керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚИЧИТҚИ: **қичитқи ўт** (*ёки* **тикан**) Поя ва барглари баданга тегса қичитиб, ачиштирадиган тукчалар билан қопланган ўсимлик.

ҚИЧИШ, қичишиш Тери ёки шиллиқ қаватнинг маълум бир қисмидаги қичинишга ундайдиган, оғриққа ўхшаш сезги.

ҚИЧИШМОҚ 1 Қичимоқ фл. бирг. н.

2 *айн.* **қичимоқ 1**. *У кўздан йўқолгандан сўнг, дўпписини кўтариб, қичишмаса ҳам, бошининг орқасини қашлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚИЧИҚ 1 Қичинишга мажбур қиладиган ҳис-туйғу. *Аъзойи баданимга қичиқ турди. Яранинг қичиғи босилди.* ▬ *Бу ҳодиса каптимнинг қичиғини илгари босиб қўйди..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 *кўчма* Енгиб бўлмайдиган кучли хоҳиш, истак. *Қичиғини бос(тир)моқ.*

3 *кўчма* Кишини ўзига тортиш, ҳиссиётини уйғотиш учун қилинадиган шўх ҳаракат, қилиқ; ноз-ишва, карашма, ғамза. *-Қизиқ, — кўзларини қичиқ сузиб, хотин гапира бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қичиқ атлас Атласнинг шўхчан гулли бир тури. *Шу вақт эшик очилиб, жувон кириб келди. Устида ўша қичиқ атлас кўйлаги, фақат енгини шимариб қўйибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИЧИҚЛИК Қичиқ эканлик; ишвакорлик, нозли қилиқлар қилиш (*қ.* **қичиқ 3**). *Қичиқлик қилмоқ.*

ҚИЧОВ *шв.* Қистов, қистоқ. *Қичов қилмоқ.* ▬ *Бу қичовга бу отларинг бўлмайди, Тулпор эмас, мунинг бари ёбидир.* «Равшан». *Кеч қолмайин қичов билан борарсан, Насиб бўлса, сен ёрингни оларсан.* «Муродхон».

ҚИЧҚИРИҚ 1 Жуда кучли, жарангли овоз; бақириқ. *Болаларнинг қичқириғи.* ▬ *Шу пайт қайдандир қичқириқ эшитилиб, атрофни қий-чув босди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Бирдан пастдан, тоғ қазувчилар манзилидан шодиёна қичқириқлар кўтарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Хўрознинг қичқириши. *Охири шу қарорга келдик. Мен қочадиган бўлдим ва биринчи хўроз қичқириғида Янгибозорга қочиб кетдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚИЧҚИРМОҚ 1 Жуда кучли, жарангли овоз чиқармоқ; бақирмоқ. *-Ёлғон! — Ғуломжон даҳшатли.. қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Поезд қичқирганини эшитиб, юрагим бир орзиқиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Қаттиқ овоз билан чақирмоқ. *Поезднинг очиқ деразасидан кимдир «Абдураҳмо-он», деб қичқирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Чақирмоқ (хўрознинг товуши ҳақида). *Кўндоқдаги хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 *кўчма* Ҳаммага овоза қилмоқ, жар солмоқ. *Масъул ишчиларнинг шу чиқишлари тўғрисида газеталар бир неча ҳафталаргача қичқирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради Ҳамма жойда аҳвол бирдай, деган маъноли ибора. *Ҳамма жойда хўроз бир хил қичқиради, деганлари рост экан. Бизда ҳам шундай.* «Муштум».

ҚИШ Йил фаслларидан бири (Ўрта Осиёда декабрь, январь ва февраль ойларини ўз ичига олади). *Совуқ қиш. Қаҳратон қиш. Қишга чидамли навлар* (бот.). ▬ *Ўзимизнинг уйимиз. Ҳатто қишда ҳам тувакларда анқиб турадиган райҳонлар эсимга тушади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Эрта қишнинг совуқ нафаси унинг димоғига гуп этиб урди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚИШИН-ЁЗИН Қишда ҳам, ёзда ҳам; йил бўйи. *Қурилиш қишин-ёзин тўхтамади.* ▬ *Қумларда қишин-ёзин ҳаво очиқ бўлиб, кўпинча булут кўринмас, юлдузлар чароғон бўлар эди* Ж. Шарипов, Хоразм. *Чўққиларини қишин-ёзин оппоқ қор қоплаб ётадиган Ойқор ортига соғинч ва интиқлик билан тикилардим.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ҚИШКИ 1 Қишга оид; қишга хос бўлган. *Қишки кунлар. Қишки совуқлар.* ▬ *Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугаган, ер юзи ўзининг қишки сариқ кийимини кийган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қишда бўладиган, бўлган. *Қишки мусобақа. Қишки имтиҳон.* ▬ *Қишлоқ халқи.. сувнинг қишки тошқинидан жуда-жуда тўйган эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *«Чимён» туристик комплекси ҳам қишки дам олиш мавсумини қизғин бошлади.* Газетадан.

ҚИШЛАМОҚ Бирор жойда қишни ўтказмоқ, қишда бирор жойда туриб яшаб қолмоқ. *Тоғда қишламоқ. Бу йил боғда қишладик.* ▬ *Қишлаган ва учиб келган гала-гала қушлар бўлиниб кетади, уя қўйиш учун ҳозирлик кўради.* «Фан ва турмуш».

ҚИШЛИК 1 Қишга мосланган, қиш учун белгиланган, қишда ишлатиладиган ёки ишлайдиган; қишки. *Қишлик кийим. Қишлик спорт саройи.* ▬ *Хўжаликка керакли бинолар, ҳаммом, қишлик боғча, қишлик чойхона муддатидан анча бурун битди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кўча-кўйда яккам-дуккам учраб қоладиган одамлар ҳам қишлик либосда.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Қиш давомида ейиш-ичиш, ишлатиш учун етарли нарса. *Қишлигини ёзда ғамлаб қўймоқ.* ▬ *Мулла Обид ўн уч кун деганда, беш таноб ерни чопиб, ерни қип-қизил шудгорга айлантиради, бир четга хирмон каби ғумай ва ажриқларни йиғиб, бир қишлик ўтинни ҳам олади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *[Ёрмат:] Яхшилаб чопасан. Ярмига сабзи, ярмига картошка экасан. Шу билан қишлигимиз бемалол чиқади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИШЛОВ 1 Қишламоқ фл. ҳар. н. *Одатда илон қишловдан сўнг пўст ташлайди.* «Фан ва турмуш».

2 Чорва молларининг қишлаб қолган еридаги боқуви, боқув жараёни. *Чўпонлар чорва қишловининг.. намунали ўтишига эришаётирлар.* Газетадан. *Илгари ана шу адирларда бутун бир қишловга етиб, ортиб қоладиган ем-хашакбоп сунбул, сўзан, тўқмоқ, рўян.. сингари юз хил тўйимли гиёҳлар тиззага уриб ётарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Кишилар ёки чорва моллари қишлайдиган, қишда яшайдиган жой. *Қишловларга ем-хашак етказиб бериш.* ▬ *У.. саҳройи халқнинг қишловларига от қўйиб, минглаб қўйларни ўлжа ҳайдашни севади.* Ойбек, Навоий. *Қалдирғоч уяси янглиғ кўринур Тоғнинг камарида қалин қишловлар.* Миртемир.

ҚИШЛОҚ Аҳолиси асосан қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланувчи жой, маскан, ҳудуд. *Кўпинча молларни қишлоқдан чиқаверишда, қирлар атрофида бир-икки айлантираман-у, намозгардаёқ қишлоққа қараб ҳайдайман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Рустам қоронғи тушиб қолган қишлоқ кўчасидан.. юриб бораркан, ҳадеб шу саволни такрорларди: «Нега олади?»* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚИШЛОҚИ 1 *с.т. эск.* Қишлоқда туғилиб ўсган, қишлоқча ҳаёт кечирадиган, шаҳарга хос муомала ва б. ни билмайдиган. *Бу кишининг қўлтиқбардорлари бир қишлоқи муллавачча эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *У [Мирзакаримбой] ҳозиргина ёдига олган қишлоқи Хушрўйбибини ҳам, кутилмаган вақтда йўқлаб келган бу арслондай қишлоқи жиянчани ҳам унутган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гапининг қўрслиги, муомаласининг совуқлиги учун қишлоқилар уни Соли совуқ деб атардилар.* М. Исмоилий. Фарғона т. о.

2 *кам қўлл. айн.* **қишлоқлик**.

ҚИШЛОҚЛИК Қишлоқда туғилиб ўсган, қишлоқда яшайдиган. *Отақул? Бизнинг қишлоқлик Отақул эмасми*? П. Турсун. Ўқитувчи. *Бу ерда битган тармеванинг таърифи бутун дунёдан ҳам кўра, айниқса, шу қишлоқлик катта бой — Миржалол қуруққа маълум экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ҚИШЛОҚЧА I **Қишлоқ** с. нинг кичр. *Тоғ этагидаги қишлоқчада яшаймиз.*

ҚИШЛОҚЧА II Қишлоққа, қишлоқ кишиларига хос бўлган. *Шаҳарлик катта бир одамнинг олдига йиртиқ ва кирланган қишлоқча кийим билан қандай бориб кира олардим*? С. Айний. Эсдаликлар. *[Йўлчининг] Сўзларидаги қишлоқча соддалик ва тўғрилик.. унга [бойга] жуда ёқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚИШЛОҚЧИЛИК Бирор нарсанинг сабаби қишлоқ шароити ва унга хос одатлар эканини билдиради. *Элмурод нонга қўл узатди. Олахўжа унинг очлигини сезгандай, нон кавшаб туриб гапирди: -Қишлоқчилик.. Бу ерда ошхона деган гап йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қишлоқчилик, бировга дабдурустдан бир нарса дейиш одобдан эмас.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ҚИШ-ҚИРОВЛИ *с.т.* Совуқ, қор-ёмғир билан кечадиган. *Бойчечак чиққанлиги қиш-қировли кунлар ортда қолиб, кўклам яқинлашганлигини англатган.* Газетадан.

ҚИЯ 1 *от* Бир томони баланд, бир томони паст ер, қиялик; тоғ ёки тепалик ёнбағри. *Карвонни ҳоритар йўлнинг қияси.* «Алпомиш». *Қийғир деган қуш ўлтирар қияда. Бундай сулув йўқдир ушбу дунёда.* «Ёдгор».

2 *от* Қийғоч очилган нарсаларнинг оралиғи, тирқиши. *Эшикнинг қиясидан қарамоқ.* ▬ *Чодир пардаси қиясидан амирнинг кўзи биринчи марта қўлида бургут қўндирган Ҳайдар мерганга тушди.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

3 *сфт. айн.* **қиялама.** *Қия ер. Қия йўл* ▬ *Аксари қия жойлардан довон ошиб бориладиган Қайнар йўли ҳозир от-арава учун ёпиқ.* С. Анорбоев, Оқсой. *У.. қия арқон устига оёқ қўйиб, юқорига кўтарила бошлади.* Мирмуҳсин, Дорбозлар.

4 *сфт.* Қийғоч очилган, сал очилган, сал очиқ. *Сандиқ қопқоғини қия қилиб кўтармоқ.* ▬ *Хотин тўхтади ва йигитга қараб, бетидаги чашмбандини қия очди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қиз қия қолган эшикни секин зичлади-да, ўйланиб, йигитнинг кетидан қараб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

5 *сфт.* Бурчакма-бурчак ёки қиялаб йўналган; оғма, ётиқ. *Қия хат. Қия ёмғир. Ариза тепасига қия қилиб ёзилган хат. Рўмолни қия ўрамоқ.* ▬ *Қия тушаётган қуёш нуридан унинг текис таралган сочи ҳам.. товланиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

6 Орқасини ўгирган, ёнга қараган, бурилган, ўгирилган ҳолат(да). *Қия ўтирган Ҳаётнинг.. бўлиқ кўкраги нафасига ҳамоҳанг бўлиб, гоҳ кўтарилар, гоҳ тушар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эрта-индиноқ Холтожихон тракторга қия миниб, Ҳаётхонга баланддан қарайди.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

Қия бўлмоқ (*ёки* **бўлиб кетмоқ)** Қилмишига яраша жавобгарликка тортилмоқ. *Акт Ҳаким акамларнинг қўлларидан нарига ўтмасин. Сал нарига ўтса борми, қия бўл-*

ганимиз ўша деяверинг, хўжайин. Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. *Порадан гапирманг. Пора берган ҳам, олган ҳам қия бўлиб кетяпти.* С. Аҳмад, Чўл бургути. **Қия қарамоқ (***ёки* **боқмоқ)** 1) кўз қири билан қарамоқ, қайрилиб қарамоқ. *Шербек билан сипо кўришди-да, бош ҳисобчи Саидғозига ер остидан қия боқди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) бир назар ташламоқ, илтифот қилмоқ, назарписанд қилмоқ. *Тушимда энам.. йўл ўртасида қия боқмай кетяпти.* Ойбек, Қуёш қораймас; 3) *кўчма* ишончсизлик билан қарамоқ, ишонмаслик. *Янгиликка қия қаровчи кишилар ҳам йўқ эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚИЯЛАМА 1 Бир томони баланд, бир томони паст; қия, нишаб. *Қиялама йўл. Қиялама адир.* ▬ *Баъзилар чўчиб кетиб, қиялама ердан оғиб тушай деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Бурчакма-бурчак ёки қиялаб йўналган; оғма, ётиқ. *Қуёшнинг қиялама нури. Қиялама ёмғир.*

ҚИЯЛАМОҚ (*асосан* **-(и)б** *қўшимчали рвдш. шаклида қўлланади* – **қиялаб**) **1** Қия ҳолда йўналмоқ. *Кўчадан қиялаб ўтмоқ. Қиялаб кесмоқ. Ёмғир қиялаб ёғмоқда.* ▬ *Уфқни қиялаб борувчи куз қуёши тикка кўтарилмай, тоғлар орқасидан ўтаркан, кун жуда тез кеч бўлиб қолди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бир томони қиялаб тушиб, катта тош йўлга туташган.. қовун бозори одамлар билан гавжум.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Қия қилмоқ, қия ҳолатга олмоқ. *Унинг диққатини шу чоқ эшикни қиялаб мўралаётган болалар тортди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Майна шошиб, рўмолини қиялади ва секин эшик томонга кўз ташлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Қиялаб ўтмоқ Четлаб, чап бериб ўтмоқ. *..қонун ҳамиша бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Ҳеч нарса қилмайди. Гап қонунни қиялаб ўтишда.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

ҚИЯЛАНМОҚ Қияламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Эшик қияланганича қолди.* ▬ *Ўнг тарафдаги сўқмоқ яйлов томон қияланиб кетган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИЯЛИК 1 Қия ҳолат, қия эканлик. *Йўлнинг қиялиги. Эшикнинг қиялиги.*

2 Бир томони баланд, бир томони паст ер; қиялама ер, ёнбағир. *Тик қиялик. Қияликдан юриб, юқорига чиқмоқ.* ▬ *Туман ичида қияликдан Поччаев тушиб келаётган эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *..қиялик тугаб, текисроқ ерга етганларида.. қаршидаги буталар орқасидан бир кўппак отилиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚИЯМА Қия ер, қиялик. *Қиямада сирпанчиқ отмоқ.* ▬ *Чигит ердан энди униб чиққанда, мурғак ғўзани сел савалаб кетди. Қиямаларни сув ялади.* Газетадан.

ҚИЯМАЛИК *шв. айн.* **қиялик 2.** *Бўздаланинг икки томони қиямалик.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ҚИЯЧИЛ *шв.* Қияликларда, адир, тоғларда чаққон юрадиган, абжир. *Илон сутин бердим ман, Илон турли келсин деб. Алқор сутин бердим ман, Кўп қиячил бўлсин деб.* «Хушкелди».

ҚИҚАНГЛАМОҚ *айн.* **қийшангламоқ.** *У сурбетларча Умид рашкини келтирмоқ учун бошқа йигитлар билан қиқанглаб.. атрофида айланишавергач.. бу ердан чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҚИҚИЛЛАМОҚ *с.т.* Қиқирламоқ. *Эшон қиқиллаб кулди.* И. Раҳим, Тақдир.

ҚИҚИР *тақл. с.* Паст товуш билан томоқдан кулганда чиқадиган товушни билдиради. *Тўртта бола кўчада қиқир.. қиқир.. -Санларга нима жин урди? – дедим.* «Ёшлик».

ҚИҚИРЛАМОҚ Паст товуш билан томоқдан кулмоқ, «қиқир-қиқир» қилмоқ; шундай товуш билан кулмоқ. *Обиджон, худди биров қитиқлаётгандай, қиқирлаб: -Сатторқул акамни бопладилар, – деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўтирганлардан кимдир қиқирлаб кулиб қўйди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҚИҚИР-ҚИҚИР Қиқир с. такр. *Қиқир-қиқир кулги.* ▬ *Теримчилар ўзаро нималарнидир пичирлаб, қиқир-қиқир кулишди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ҚИҒИЛЛАМОҚ «Қиғ-қиғ» овоз чиқармоқ, «қиғ-қиғ» сайрамоқ. *Яқин ердан чуғурчиқлар қиғиллаши эшитилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚИҒ-ҚИҒ *тақл. с.* Чуғурчиқ, қарқуноқ каби қушларнинг овозини билдиради.

ҚОБИЛ [*а.* قابل – қабул қилувчи, ҳар нарсага кўнувчи, қобилиятли; келгуси] **1** Ҳар қандай ишга қобилияти, лаёқати бўлган; қобилиятли, лаёқатли. *Боришса қайтарма,*

болам. Кўп қобил, ўзингга ўхшаган ҳунарманд ўғлонлар-да булар. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Худойқул одамнинг қўлидан келадиган ҳар қандай ишга қобил эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мурзин ўтирган ўрнида ўзини ҳар нарсага қобилдек тасаввур этди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Сўзга кирадиган; ювош, мўмин. *Қобил бола.* ▬ *Кўринишда қобил, чертиб-чертиб сўзлайдиган Собир Сайдаров сўнгги вақтларда ичкиликка муккасидан кетди.* Газетадан.

3 *кам қўлл.* Муносиб, мос, кўнгилдагидек. *Меҳнаткаш элга қойил, Ерларни қилди қобил, Ундирди катта ҳосил..* Ҳабибий. *Деҳқон халқи кузнинг қобил, сахий келишини орзу қилади, чорвадорлар эса — баҳорнинг.* «Саодат».

4 Қобил (эркаклар исми).

ҚОБИЛИЯТ [*а.* قابليت — майл, қизиқиш; мойиллик; содиқлик, тарафдорлик; лаёқат, қобиллик, қодирлик] **1** Билим, кўникма, малакалардан фарқли ўлароқ, шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг иш уддалай олишидаги субъектив шарт-шароитларни ифодаловчи индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари. *Самандар.. ўзини идора этиш қобилиятидан тамоман маҳрум бўлган эди.* С. Кароматов, Қалбингда қуёш.

2 Истеъдод, талант. *Ғафур Ғуломнинг бу қадар ҳозиржавоблиги, қобилиятининг сири нимада эди?* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Араббой ёмон ўқигани билан яхши ташкилотчи, катта мансабларга лойиқ қобилияти бор.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Умуман, лаёқат, қодирлик, қудрат. *Бошқариш қобилияти. Мудофаа қобилияти.* ▬ *Водород бизга маълум бўлган табиий ёқилғилар орасида рекорд иссиқлик бериш қобилиятига эга.* Газетадан.

ҚОБИЛИЯТЛИ 1 Бирор ишга қобил, яроқли бўлган, бирор иш қўлидан келадиган; лаёқатли. *Ишга қобилиятли қариялар.* ▬ *Бош муҳаррир, Раҳим аканинг қобилиятли ходим эканлигини назарда тутиб, баъзи эркаликларини кўтарарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Истеъдодли, талантли. *Қобилиятли шогирд.* ▬ *Қобилиятли боланинг овозаси кун сайин кенгроқ ёйила бошлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚОБИЛИЯТСИЗ 1 Бирор ишга қобил, яроқли бўлмаган, бирор иш қўлидан келмайдиган; лаёқатсиз. *Зеби қаршилик қилишга қобилиятсиз эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

2 Қобилияти, таланти йўқ; истеъдодсиз.

ҚОБИЛЛАШМОҚ 1 Бирор ишга қобилият, лаёқат касб этмоқ.

2 Сўзга кирадиган, ювош, мўмин бўлиб қолмоқ (болалар ҳақида).

ҚОБИЛЛИК 1 Қобилиятга эгалик, қобилияти борлик. *Ўсимликнинг шўр ерда ҳам ўсишга қобиллиги.*

2 Ювошлик. *Боланинг қобиллиги. Жоҳилликдан жон чиқар, қобилликдан донг чиқар.* Мақол.

3 Бирор ишни амалга ошириш учун етарли даражада куч-қувватга, лаёқатга эгалик, қодирлик, қудрат. *Банк қарз олувчининг.. кредитга қобиллигини доимий равишда мониторинг қилиб туради.* Газетадан.

ҚОБИРҒА *айн.* **қовурға**. *Қанча марта бели, қобирғаси синган, оёқлари мажақланган..* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОБИҚ 1 Пўст, пўстлоқ; пўчоқ. *Дарахт қобиғи. Чигит қобиғи.*

2 Нарсаларнинг устини қоплаб, ўраб олган қаттиқ устки қатламии ёки пўст. *Ер қобиғи. Дирижабль қобиғи.*

3 *кўчма* Ўраб, пардалаб турувчи, чеклаб қўювчи нарса. *Улфат билан суҳбатлашсангиз, унинг ўз мутахассислиги қобиғига ўралиб қолмай, билим доирасини кенгайтириб боришга интилаётганлигини кўриб тан берасиз.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Ҳанифа орзу-ҳаваси, ўй-хаёли фақат оила қобиғи билангина чегараланган уй хотини бўлиб ўтириб қолган.* С. Анорбоев, Меҳр. *..у ўз нутқини субъектив қобиққа ўрайди.* Газетадан.

(Ўз) қобиғига ўралмоқ Бошқалардан, ташқи дунёдан ажралиб, ўзича, ўз ҳолича иш кўрмоқ, яшамоқ, ривожланмоқ.

ҚОБОН 1 Ёввойи чўчқа, тўнғиз. *Тўқайда қирғовул, кўлда ўрдак, ғоз, Қобонлар кезади мисли говмишлар.* Миртемир.

2 Эркак чўчқа.

ҚОВ Алангасиз куйдирилган пахта, сўхта (халқ табобатида кесилган ярага қўйиш учун ишлатилади). *Ёш ҳаким кечгача қилич ярасига қов қўйиб, малҳам суртиш, баданга санчилган ўқни олиб, боғлаб қўйиш билан овора бўлди.* М. Осим. Китобга ихлос.

Қов қўймоқ *с. т. дағл.* Ишни бузмоқ, расво қилмоқ.

ҚОВЖИРАМОҚ 1 Сувсираб ёки иссиқнинг зўридан, гармселдан сўлимоқ, қуриб бужмаймоқ, қуруқшамоқ. *Қовжираган барг. Қовжираган ўт.* ▬ *Адолат.. чанқаб, қовжираб турган ҳар бир ғўзага қараб ачинар ва тунги сувни шимириб тирилаётган ҳар бир ғўзани кўриб қувонарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Сувсизлик ва иссиқ таъсирида қақрамоқ, порсилламоқ, ёрилмоқ. *Қовжираган ерлар. Ҳароратдан лаблари қовжиради.* ▬ *Гулханчиларнинг дала шамоли билан қовжираган юзларига тиниқ қизиллик югуриб оловланди.* Ойбек. Танланган асарлар. *Кейин бошини шарт буриб, сувсизликдан қовжираб ётган тарновга қараб юрди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 *кўчма* Дард, алам ва ш.к. дан куйиб адо бўлмоқ, ўртанмоқ. *Шундан буён қиз айрилиқ дардида қовжирайди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ҚОВЖИРАТМОҚ Қовжирамоқ фл. орт. н. *Саратон қуёши чўл ўтларини қовжиратди.* ▬ *Уруш айни йигитлик йилларимизни қовжиратиб кетди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Кўксини ёндириб турган ўт хаёлларини ҳам, хотираларини ҳам қовжиратиб ташлагандек бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚОВЖИРОҚ Қовжираган, қуруқшаган ҳолатли. *Йўл кимсасиз, ҳатто эзма чигирткалар ҳам иссиқдан тинкаси қуриб, қовжироқ ўтлар соясида мудраб қолганга ўхшайди.* Н. Ёқубов, Бўсағада. *У қовжироқ лабларини ялаб, ҳансираб, олдинга чопди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Экинсиз, жонсиз ётган қовжироқ ерлари, япроқлари сарғайган дарахтлари ҳайратга солади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қовжироқ кўкатлару дарахтларнинг турфа ҳиди атрофга анқиб кетди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ҚОВЗАНМОҚ *шв.* Озгина емоқ, тотинмоқ, бир оз овқатланиб, қоринни алдамоқ; тамадди қилиб олмоқ. *У [Умарқул] доимо белига нон тугиб юрар, қачон қорни очса, йўлда ўзини қовзантириб олар эди.* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи. *Керак-керак дегунча, овқатни кўпроқ қилса бўлмасмикан, қорин қовзанмади-ку!* И. Шомуродов, Мағлубият.

ҚОВЗОҚ 1 Дуккакли ўсимликларнинг дони турадиган пўсти; қўзоқ. *Мош қовзоғи. Ловия қовзоғи.*

2 Маккажўхори сўтасининг пўстлоғи.

ҚОВОЧАК Пахтаси суғуриб олинган чаноқ, кўсак пўчоқлари. *Кўсак чувиш машинасидан чиқарилган қовочак орасида узун-қисқа толалар милтиллаб турибди.* Газетадан.

ҚОВОҚ I **1** Палак отиб ўсадиган, шапалоқ баргли, карнайсимон йирик сариқ гулли, бир ёки кўп йиллик полиз ўсимлиги ва унинг турли шаклларда бўладиган йирик ҳосили. *Қовоқ уруғи халқ табобатида.. гижжани йўқотишда қадимдан қўлланиб келган.* «Фан ва турмуш».

Дастмол қовоқ Ҳосили қозонсочиқ ёки мочалка ўрнида ишлатиладиган қовоқсимон ўсимлик. **Ойим қовоқ** *қ.* **ойимқовоқ. Томоша қовоқ** *қ.* **томошақовоқ**.

2 Шу ўсимликнинг ҳосили қобиғидан ясалган идиш. *Гулнор.. сув қовоқни олиб, булоқ томонга югуриб кетди.* С. Айний, Дохунда. *Кўзи тиниб, мияси ари қамалган қовоқдек ғўнғиллади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Йигит унинг ёнига қовоқ косада совуқ сув қўйди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Нос қовоқ 1) қовоқнинг ноксимон майда нави; 2) *қ.* **носқовоқ**. *..носқовоғини қоқа-қоқа, бир отимини тилининг тагига ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бува қовоқ *с.т.* Масхарабозларнинг юзга тутадиган ниқоби. **Қовоқ калла** (*ёки* **бош)** Мияси йўқ, ақлсиз, аҳмоқ. *Шуни ҳам тушунмай сўраб ўтирасанми, қовоқ бош.* С. Айний, Жаллодлар. *Билмасанг, нега, урди деб қўл қўясан.. қовоқ калла!* О. Ёқубов, Ларза.

ҚОВОҚ II Кўз косасини қопловчи, очилиб-ёпилиб турадиган тери. *Қовоғи шишибди. Қовоғини ағдариб кўрмоқ.* ▬ *Тожибой оқсоқол қўл кўтарганларни қовоқ тагида норози милтиллаган кўзи билан текшириб турди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Миршабнинг осилиб турган қовоғини, юзидан томиб турган заҳарини кўриб, Матқовул аллақандай бўлиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бодом қовоқ *қ.* **бодомқовоқ. Қовоқ солмоқ** (*ёки* **уймоқ)** *ёки* **қовоқни осилтирмоқ** Норозилик ёки хафалик ифодалаб хўмраймоқ. [*Саодат*] *Бировга кулиб қараса, бировга қовоқ солади.* И. Раҳим, Ихлос. **Қовоғи солиқ** 1) нимадандир норози, хафа,

кайфи бузуқ. *Кумуш жавоб бермади, қовоғи солиқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *кўчма* ёғса-ёғгудай, авзойи бузуқ, айниган. *Ҳавонинг қовоғи солиқ.* ▬ *Қовоғи солиқ осмоннинг чеҳраси аста очила бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Қовоғидан қор ёғади** 1) жуда хафа, аччиғи чиққан, авзойи бузуқ. *Оқсоқолнинг қовоғидан қор ёғар, жуда жаҳли чиққан эди.* Ж. Шарипов, Хоразм; 2) баджаҳл, хўмрайган. **Қовоғини очмоқ** 1) кўзини очмоқ, қарамоқ; 2) *кўчма* чеҳрасини очиб қарамоқ, кулиб боқмоқ. *Ўзи ҳам, онаси ҳам бир оғиз гапирмаса, бир мартагина қовоғини очиб қарамаса-я!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚОВОҚ III *айн.* **қовоқхона.** *Шариф Сулаймон ҳозир бирон қовоқда, эҳтимол, мажлис ўтказаётгандир.* Ойбек, Нур қидириб.

ҚОВОҚ-ДИМОҒ Кайфият, авзо. *Хотинимнинг қовоқ-димоғини кўриб, тўйга атаб боқиб қўйган биттаю битта қўйимни шартта сўйдим.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Қовоқ-димоғига қарамоқ Бировнинг хоҳиши билан ҳисоблашмоқ; бировнинг кайфиятига, кўнглига қараб иш тутмоқ. *Икки хотиннинг қовоқ-димоғига қараб, жанжалларига қози бўлиб, бошим қотади, деб қўрққан эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОВОҚДОШЛАР *бот.* Қовоқ, қовун, тарвуз, мочалка каби палак отиб ўсадиган ўсимликлар оиласи.

ҚОВОҚ-ТУМШУҚ: қовоқ-тумшуқни осилтирмоқ *айн.* **қовоқ солмоқ** *қ.* **қовоқ** II.

ҚОВОҚХОНА *с. т. эск.* Спиртли ичимликлар ичиладиган майхона. *Масжиднинг ёнгинасида вино сотадиган қовоқхоналар бор.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *..бир қовоқхона кўриб, икки кружкагина пиво ичадиган бўлдик.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚОВОҚХОНАЧИ *с.т. эск.* Қовоқхона эгаси ёки сотувчиси. *Қовоқхоначининг юз ифодаси шундай тез ўзгариб турардики, бирини пайқаб олгунингча иккинчисига кўз улгурмай қоларди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚОВОҒАРИ Арининг заҳарли йирик тури. *-От йиқитди, — деди қовоғари каби ғўнғиллаб.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚОВРИЛМОҚ *қ.* **қовурилмоқ.** *..ҳоким тўранинг келишига ҳам беш-олти қовун пишиғи бор, Ғуломжонни эса ошнинг гўштёғи қоврилгунча саришта қилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мирҳайдар шундай ўйларга берилиб, ўз ёғида ўзи қоврилиб юраверади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ҚОВУЗ 1 Доннинг пўсти. *Тариқ қовузи.*

2 Ичига кўпинча тариқ пўсти солинган бешик тўшаги. *Орқасига қаттиқ қовуз ботган гўдак чинқириб-чинқириб йиғлайди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

ҚОВУЗЛОҚ *айн.* **қовуз 2**.

ҚОВУЗ(Ғ)ОҚ *айн.* **қовуз 2.** *Карима бешик асбобларини, қовузоқдан то сумаккача.. кўздан кечириб қоқди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси.

ҚОВУЛ [қабул с. нинг бузилган шакли**]: сафар қовул** Сафардан эсон-омон қайтиб келган кишига айтиладиган ибора. *Сафар қовул! Қачон келдингиз?* А. Мухтор, Опасингиллар.

ҚОВУН Қовоқдошлар оиласига мансуб, ҳосили йирик ва ширин бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ҳосили. *Ширин қовун. Қовун пайкали. Қовун сайили. Қовун уруғи. Бир тилик қовун.* ▬ *Бу йил, нима бўлиб, қовун, бир четига ҳандалак экилган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Қовунга қаранг. Ҳар бири туянинг калласидай. Жуда саралаиган.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қовун туширмоқ *қ.* **туширмоқ.** *Ўз вақтида танбеҳ бермаса, мезбон икки-уч марта қовун тушириб қўйишини яхши биларди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚОВУНКАПА Қовун полизи ёнига қурилган капа, чайла. *Иқбол кун бўйи қизлар билан пиёзни ўтаб, кеч пайт қовункапага қайтди-да, апил-тапил ювиниб овқатлангач, шоти билан томга чиқди.* С. Абдулла, Иқбол.

ҚОВУНХЎР Қовунни яхши кўрадиган, қовунни кўп ейдиган. *Қовунхўр одам.* ▬ *Бозорга кираверишда қовунхўрлар ҳўл мева расталарида қовун сўйиб ейишмоқда.* Газетадан.

ҚОВУНХЎРЛИК 1 Қовунхўр эканлик. *Унинг қовунхўрлигини ҳаммамиз биламиз.*

2 Тўйиб, мириқиб қовун ейиш. -*Оқтепадан келяпсизми? -Ҳа, — деди у* [*шофёр*] *Аминжон узатган чойдан ҳўплаб. -Қовунхўрликданми*? Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Уч-тўрт кун шу ерда қолиб, қовунхўрлик, паловхўрлик қилмасак, жуда чарчаб кетдим.* Х. Шамс, Характеристика.

ҚОВУНЧИ Қовун етиштириш, қовун селекцияси билан шуғулланувчи киши. *Тўрткўллик қовунчи олим катта мақсадлар билан яшаяпти.* Газетадан.

ҚОВУНЧИЛИК 1 Қовун етиштириш билан шуғулланиш; қовунчилик касби.

2 Қишлоқ хўжалигининг қовун ўстириш, қовун селекцияси билан боғлиқ соҳаси. *Бир неча йиллардан бери эътибор камайгани боис қовунчилигимиздаги энг яхши анъаналар унутилди.* Газетадан.

ҚОВУНҚОҚИ Пишиб етилган қовунни тилиб-тилиб, қуритиб тайёрланган қоқи. -*Чой ичмасдан қаёққа кетасизлар? – деди кампир шкафдан нон, қовунқоқи олиб.* Ҳ. Назир, Томоша.

ҚОВУРДОҚ Баъзи масаллиқлардан қовуриб тайёрланган таом. *У кунги қўзиқорин қовурдоғи гўшт қовурдоғидан ҳам таъмлироқ туйилди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Қўй сўйилиб, меҳмонларга яхши қовурдоқ билан тушлик берилгандан кейин, Хатиб домла мулла Обиднинг экинларини оралашга орзу билдиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚОВУРИЛМОҚ Қовурмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Балиқ яхши қовурилди. Қовурилган картошка.* ▬ *Шу куни қозонда гўшт-ёғ қовурилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Низомжон муҳаббат билан номус ўтида қовуриларди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ўз ёғига (*ёки* **ёғида) ўзи қовурилмоқ** Ўз дард-алами билан ўзи азоб чекмоқ, ўртанмоқ. *Саодат ўз ёғига ўзи қовурилиб, дардини ичига ютиб юраркан, шундан-да ўзига таскин топди..* «Ёшлик». *Дардини айтай деса – тили, айтмай деса, дили куйиб, ўз ёғида ўзи қовурилиб келгандир?!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ҚОВУРМА 1 *сфт.* Қовуриладиган, ёғда қовуриб пишириладиган; қовурилган. *Қовурма чучвара.* ▬ *Момага беринглар қовурма гўштни.* «Ширин билан Шакар».

Қовурма палов *қ.* **палов. Қовурма шўрва** Ҳамма масаллиқни олдин қовуриб олиб, сўнгра сув қуйиб тайёрланадиган шўрва. *Ғози.. аччиқ қовурма шўрвани ичиб, бир оз ўраниб ётгач, терлади.* И. Раҳим, Ихлос.

2 *от* Гўшт ҳамда картошка, пиёз ва б. сабзавотлардан қовуриб, озроқ сув қуйиб, димлаб пишириладиган қуюқ таом; қовурдоқ. *Икки катта товоқда қовурма олиб чиқилда.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Қовурма жуда антиқа бўлган экан, гапнинг очиғини айтсам, бунақа ширин гўштни умримда емаган эдим.* С. Аҳмад, Шер.

ҚОВУРМОҚ 1 Қизиган ёққа солиб пиширмоқ. *Балиқ қовурмоқ. Картошка қовурмоқ.* ▬ *У бир қошиқ ёғни қозонга солиб, пиёз қовурди.* Ойдин, Гулсанам. *Зумрад ошнинг зирвагини қовуриб, гуручни ивитиб қўйиб, қараб ўтирди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 *кўчма* Исканжага олиб қаттиқ сиқмоқ, койимоқ, таъзирини бермоқ; жазоламоқ. *Авзойидан ҳозир ячейка котибини чақириб, тоза қовурадиган кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *кўчма* Ўтдай куйдирмоқ, ўртантирмоқ, ўртамоқ. *Яна ўша қалбни бир умр асир этиб алдаб, доғига қовурган гўзал бир сиймо, соҳира қиз [Аҳмаджоннинг] кўз олдига келди.* Ф. Насриддинов, Кўнгил. *Жигарим қовурди кўзингдаги ўт!* Ё. Мирзо.

ҚОВУРТИРМОҚ Қовурмоқ **1** фл. орт. н. *Ўзбек ойим бўғирсоқ қовуртириш, толқон туйдириш, тўқоч ёптириш билан машғул бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОВУРҒА 1 *анат.* Умуртқадан чиқиб, кўкрак суягига эгилиб келадиган, кўкрак қафасини ташкил қиладиган ёйсимон энсиз суяк. *Мана, уринг, синдиринг қовурғамни! Кўрқмай қўя қолинг, арз қилмайман.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

Етим қовурға Кўкрак суягига келиб ёпишмаган қисқа қовурға. *Инсоннинг етти жуфт чин қовурғаси, беш жуфт етим қовурғаси бўлади.* **Қовурғаси кўриниб** (*ёки* **саналиб) қолмоқ** Жуда озиб кетмоқ. *Жўранинг кўзлари чўкиб, қовурғалари саналиб қолди, ҳар кун қамчи, ҳар кун азоб..* Ҳ. Шамс, Душман.

2 *кўчма махс.* Бино, иншоот ва ш.к. нинг мустаҳкам тутиб туриш учун хизмат қиладиган қисми, ёнма-ён бириктирилган узун-узун қисми. *Панжаранинг қовурғалари.* ▬ *Қуёш қиздираётган аллеялар бўш, скамейкаларнинг оқ қовурғаси офтобда ялтирайди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Қовурғаси букилмаган (*ёки* **синмаган**) Япянги, ҳали тутилмаган, эзилмаган (қоғоз пул ҳақида). *Ҳаким акамларнинг чўнтакларига қовурғаси синмаган червонларни.. туширдим.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. ..*чўнтаклари қовурғаси букилмаган юзталикларга тўла.* «Таниш башаралар». **Қовурғаси қайишмоқ** *қ.* **қайишмоқ 4**.

ҚОВУШИМЛИ Қовушиб, киришиб кета қоладиган. *Ишга қовушимлигина эмас. Ўтдаги чўпни бўтга олиб қўйгиси келмайди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ҚОВУШИМСИЗ Қовушмайдиган, яхши келишмайдиган. *Йигитнинг ҳаракатлари қовушимсиз, кабобни китоб муқоваси билан эринибгина елпийди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ҚОВУШИҚЛИ Бири иккинчисининг устига қўйилган, қовуштирилган (икки қўл ҳақида). *Қўллари дўппайган қорни устида қовушиқли эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚОВУШМА *махс.* Бир қанча зарраларнинг, бўлакларнинг ўзаро қовушувидан ҳосил бўлган нарса. *Тупроқ қовушмалари. Қум қовушмалари. Тупроқнинг жуда зич, ғовак ва сочилма қовушмалари кўп учрайди.*

ҚОВУШМОҚ 1 Бир-бирига ёпишиб, бирикиб, уланиб, бир бутунликни ташкил қилмоқ; қўшилмоқ, туташмоқ, ёпишмоқ. *Чуваланган бўйра устида пахтаси аранг қовушиб турган кўрпача.* Р. Азизхўжаев, Тўлғоқ «емаган» жувон, бахтиёр кампир. *Қўша қаримоққа муҳр бўлади Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.* F. Fулом.

2 Қўшилмоқ, жуфтлашмоқ. *Боягидан бирмунча кучая тушган шамол гулни гулга қовуштириб, ғўё бу икки ёшга: Сиз ҳам мана шу гуллар каби қовушинг, дегандек кўринар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Иттифоқ, ҳамжиҳат бўлмоқ; бир-бирига монанд иш тутмоқ. *Улар бош-бошига қовушмайди* ▬ *Қовушмагандан кейин, албатта, қўлимиздан ҳеч иш келмайди-да.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Бир-бирига монанд, мувофиқ келмоқ, мос тушмоқ, уйғунлашмоқ, ёпишмоқ. *Суҳбат қовушмасди.* ▬ *У [Саодат] қоғоз олиб, пленумда гапирадиган сўзларини ёзмоққа киришди. Аммо сўз сўзга, гап гапга қовушмади.* И. Раҳим, Ихлос.

5 Бирор доирада, муҳитда ёки ҳолатда ўзини эркин ҳис этмоқ, эркин тутмоқ. *Танчада қовушиб ўтиролмайди* ▬ *Бугун сизнинг олдингизда, худди бегонадай, қовушмай турганимга хафаман, Фотима!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Болалар яна интизор бўлишиб кутишди, қовушмай, кечагидай жимгина ўтириб овқатланишди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар.

6 Бирор ишни бажаришда тўғри ва чаққон ҳаракат қилмоқ. *Ишлаб юрган одам ҳар қандай ишга дарров қовушади. У ҳеч ишга қовушмайди.*

Қўли қовушмайди Ўрганмаганликдан ёки совуқдан, карахтликдан қўли ишга яхши келмайди, қўли келишмайди.

ҚОВУШОҚ Юқори қовушқоқлик хоссасига эга бўлган; қовушқоқ, ёпишқоқ. *Қовушоқ мой.*

ҚОВУШОҚЛИК Суюқликнинг ўз зарраларининг бир-бирига нисбатан силжишига, оқишига қаршилик кўрсатиш қобилияти. *Мойнинг қовушоқлиги.*

ҚОВУШТИРМОҚ Қовушмоқ 1-4 фл. орт. н. *Тарих қовуштирди бизнинг элларни.* М. Шайхзода. *Бу ишга ҳам.. Бузрукхўжанинг ўзи бош бўлиб, деҳқонни аҳил оилага қовуштирди.* Газетадан.

Бошини қовуштирмоқ 1) ҳамжиҳат қилиб бирлаштирмоқ, уюштирмоқ. *Комилжонга итоат қилишга Умаралининг бўйни ёр бермаётган бўлса керак.. Комилжонга оғир. Уларнинг бошини қовуштириш керак.* И. Раҳим, Ихлос; 2) бир-бирига уйлантириб қўймоқ. *Қўшнилар биргаликда тўй қилиб, икки ёшнинг бошини қовуштириб қўйишди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. **Қўл(ини) қовуштирмоқ** 1) қўлни, беш панжани бирин-устин кесиштирган ҳолда тутмоқ. *Миршаб одамларидан бири аввал хатирчилик бандининг қўлини олдига қовуштириб боғлаб, пешбанд қилмоқда эди.* С. Айний, Қуллар. *Тожибой.. узун енглари ичидаги қўлларини қорни устига қовуштириб, букилиб ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) бировларга ҳурмат, эҳтиром юзасидан шу вазиятда турмоқ, қуллуқ қилмоқ. *У дарвозадан кириб, супага ўн-ўн беш қадам қолганда, қўл қовуштириб, таъзим билан: -Ассалому алайкум, — деди.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) *кўчма* иш қилмасдан кеккайиб, қаққайиб қараб турмоқ. *Очил, бригадирман, деб қўл қовуштириб ўтирмайди.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

ҚОВУШҚОҚ Қовушоқ, ёпишқоқ.

ҚОВУҚ I *анат.* Одам ва аксарият ҳайвонларнинг сийдик тўпланадиган, ичи бўш, халтасимон аъзоси; сийдик пуфаги. *Қовуқ яллиғланиши.* ▬ *Мингбоши Матқовулнинг қовуғига бир тепди, у ағдарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚОВУҚ II Чақмоқ суртиб, унинг учқунидан ўт ёқиш учун қилинадиган махсус пилик, пилта. *Киши Отабекни ўтқизгач, токчадан сопол лаган билан қовуқни олиб, чақмоқ суртди. Шам ёқилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОВҒА I *шв.* Ёғоч пақир. *..икки меш сув сиғарли қовға.* С. Айний, Қуллар.

ҚОВҒА II Ичи ғовак ва юмшоқ, бардига ўхшаш узун бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик; қўға (одатда бўйинча ясаш, қовун осиб сақлаш учун ишлатилади). *Қовун пўчоғи ерга тушганига алламаҳал бўлди. Ҳадемай Хоразм қовунлари қовғага осилади.* «Гулистон».

ҚОДИР [*а.* قادر – кучли, қудратли, қудрати етадиган; лаёқатли; оллоҳнинг сифатларидан бири] **1** Бирор ишга кучи, қудрати етадиган; қудратли. *Озод халқ, бахтиёр халқ, Ҳар бир ишга қодир халқ.* Э. Раҳим. *Уруш ҳар қанча даҳшатли бўлса ҳам, ҳаётни тўхтатиб қолишга қодир эмас.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Имконияти бор (моддий ва б. жиҳатдан). *Кўп оталар шу жузъий ёрдамга ҳар ҳафта уч тийин, беш тийин беришга қодир эмаслар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қурол ушлашга қодир ярадорлар ҳам окопга!* И. Раҳим, Мангулик қўшиғи. *Ҳозирча ўн жуфт маҳси беришга қодир эканини сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қодир (эркаклар исми).

ҚОДИРЛИК 1 Қодир эканлик. *Команда ҳолатини, унинг нималарга қодирлигини катта тренерчалик ҳеч ким билмайди.* Газетадан.

2 Етарли куч-қудратга эгалик; қудратлилик. *Бултурги мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам.. меҳнат аҳли нималарга қодирлигини кўрсатди.* «Муштум».

ҚОЗИ [*а.* قاضى – ижрочи, амалга оширувчи; ҳукм чиқарувчи] *тар.* Мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси. *[Тўрахон:] Индаб қаерга бораман? Қозига арз қиламанми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Зайнабнинг жунуни қозилар ва табиблар тарафидан ҳам тасдиқ этилгач, унинг устидаги жазо кўтарилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мулла Шарофиддиннинг муҳри бор бу васиқаларда.. Муллажон қозининг муҳри бор!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚОЗИБОЗ [*а. + ф.* قاضى‌باز – қозилашишни, судлашишни яхши кўрадиган] *эск.* Қозибозликни яхши кўрадиган, бўлар-бўлмасга қозига мурожаат қилаверадиган одам.

ҚОЗИБОЗЛИК Бўлар-бўлмасга қозига мурожаат қилиб, ҳақ-ҳуқуқ талашиш, довлашиш. *Қозибозлик қилмоқ.* ▬ *Қозибозлик бошланди – порахўрлик.* Ғ. Расул, Адолат.

ҚОЗИВАЧЧА [*а. + ф.* قاضى‌بچه – қозининг боласи, фарзанди] *с.т.* Қозизода. *Мулк ерларининг кўпи.. қозиваччалар ва мутаваллилар деган икки хонадоннинг қўлида тўпланган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚОЗИЗОДА [*а. + ф.* قاضى‌زاده – қозининг фарзанди, авлоди] Қозининг фарзанди; қозилардан тарқалган, қозиларга мансуб киши.

ҚОЗИКАЛОН [*а. + ф.* قاضى‌کلان – катта қози, бош қози] Бош қози, энг юқори даражадаги қози.

ҚОЗИЛАШМОҚ *эск.* Қозига арз қилиб, ҳақ-ҳуқуқ талашмоқ, довлашмоқ. *Қозилашган қариндош бўлмас.* Мақол. ▬ *Боболаримиздан бой билан қозилашма, зўр билан олишма, деган гап қолган.* И. Шомуродов, Мағлубият.

ҚОЗИЛИК 1 Қозига хос иш, вазифа, лавозим. *Қурбонниёз тоғам, қози Абдулвоҳид қозилигини ташлаб кетгандан кейин, мулозимликни тарк қилиб, пахтакашликка киришган.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *с.т.* Орага тушиб, кимсалар ўртасидаги жанжални бартараф қилиш; ҳакамлик. *Студентлар онгли одамлар бўлгани учун, деҳқонлар уларга ишонар.. жанжалли масалалар чиқиб қолганида, қозиликка чақиришар эди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

Қозилик қилмоқ *с.т.* Қозиликка хос иш-вазифани адо этмоқ. *Афанди қозилик қилиб турганда, ундан биров: -Афанди, сизнинг қанча дўстингиз бор? – деб сўрабди.* «Шарқ юлдузи».

ҚОЗИХОНА [қози + хона] *тар.* Қози томонидан судлов ишлари амалга ошириладиган маҳкама. *Маҳкамани билмасам, қозихонани билмасам, [арз учун] қаерга бораман*? Ойбек, Танланган асарлар.

Ота гўри қозихонами? *қ.* **гўр**.

ҚОЗИҚ 1 Ерга қоқиш учун мўлжалланган ёки қоқилган, учи ўткир ёғоч ёки темир. *Ёғоч қозиқ. Темир қозиқ. Чегара қозиғи. Ерга қозиқ қоқмоқ. Қоққан қозиқдай қаққайиб турмоқ. Отни қозиққа боғламоқ. Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи.* Мақол. ▬ *Қирғоққа яқин ерда тўрт қозиқ устида каттакон бир қайиқ турар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Кийим, сочиқ ва ш.к. нарса илинадиган мослама. *Пальтони қозиққа илмоқ.* ▬ *..қозиқдан Маккатуллонинг акси туширилган ипак жойнамозни олиб, қиблага қаратиб ерга солди.* К. Яшин, Ҳамза. *Оҳори тўкилмаган оқ халатлар сепараторхона қозиғида осиғлиқ.* С. Нуров, Нарвон.

Олтин қозиқ *айн.* **Қутб юлдузи** *қ.* **қутб 1. Қозиқ лунги** Зийнат учун қозиққа осиб қўйиладиган гулли безак буюм. **Қозиқ рўмол** *шв. айн.* **қозиқ лунги**. **Қоққанда қозиқ, осганда хурмача** (*ёки* **чўмич) қолмади** *ёки* **қоққани қозиқ, осгани хурмача қолмади** Ҳеч нарса(си) йўқ, қип-яланғоч, шипшийдам. *Уйимизда қоққани қозиқ, осгани хурмача ҳам қолмади.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ҚОЗИҚҚУЛОҚ Энсиз узун баргли бир йиллик бегона ўт.

ҚОЗОН 1 Турли таомлар пишириш, тайёрлаш ёки сув иситиш учун чўяндан қуйиб тайёрланган рўзғор буюми. *Маҳалла қозон. Қозонда бўлса, чўмичга чиқади.* Мақол. *Қозонга яқин юрсанг, кораси юқар, Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар.* Мақол.

Ёпиқлиқ қозон — ёпиқлиқ Сир сақланиши, бости-бости қилиниши лозим бўлган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида айтиладиган ибора. **Қозон осмоқ** 1) қозонни ўчоққа ўрнатмоқ. *Хадича хола.. қозон осилган ўчоқнинг олдига қумғон қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) иссиқ овқат пиширмоқ. -*Онаси! — деди Матқовул ўзида йўқ қувониб. — Пича ун топиб келсам, қозон оссак, қалай бўлар экан-а?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қозон қайнатмоқ** 1) *айн.* **қозон осмоқ 2**. *Қозон қайнатишга сувдан бошқа нарсалар керак бўладими? Ё ошқовоқдан мой чиқарсакмикан!* Ойбек, Танланган асарлар; 2) рўзғор тебратмоқ. **Қозонни сувга ташламоқ (**ёки **ташлаб қўймоқ**) Иссиқ овқат қилмай, иссиқ овқатсиз кунни ўтказмоқ. *[Уста Фарфи:] Қозонни сувга ташлаган кунимиз жанжал.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *тех.* Буғ ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган махсус ёпиқ қурилма. *Буғ қозон. Юқори босимли қозон.*

ҚОЗОНАКИ Қозонда пиширилган. *Боланинг олдига икки бурда қозонаки патир қўйди.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

ҚОЗОНКАБОБ Ўз сели билан қозонда димлаб пиширилган гўшт. *Меҳмонлар жуда усталик билан пиширилган қозонкабобни иштаҳа билан еб, устидан бир косадан «кобили шўрва»ни ичиб, оғир нафас олишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОЗОНМОҚ Қўлга киритмоқ, эришмоқ; сазовор бўлмоқ. *Ғалаба қозонмоқ. Муваффақият қозонмоқ. Обрў қозонмоқ. Бировнинг ишончини қозонмоқ.* ▬ *Зорқишлоққа келиб қолган Низомиддинов қишлоқликларнинг ҳурматини қозонган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚОЗОН-ТОВОҚ 1 Овқат пишириш ва ейиш учун ишлатиладиган идиш-оёқ. *Тракторлар қирга энди кўтарила бошлаганда, орқадан қозон-товоқ ортилган «ЗИС» [юк машинаси] етиб келди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

2 *кўчма* Уй-рўзғор ишлари. *Агроном ерини ҳайдаб, пахтасини теравермайдими? Қозон-товоққа аралашиб нима қилади!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Бизда ўз оиласига, бола-чақасига, қозон-товоғига ёпишиб олган хотинлар бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚОЗОНХОНА *тех.* Қозон ўрнатилган хона ёки алоҳида бино (*қ.* **қозон 2**). *Фабрика учун зарур бўлган қозонхона ишламайди..* «Муштум». *Ушбу қарорга асосан, қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларини таъмирлаш учун.. 215 миллион сўм маблағ ажратилди.* Газетадан.

ҚОЗОНЧА 1 Кичик қозон, декча.

2 Овқат ейиш, ўрни билан овқат пишириш учун ҳар бир солдат ўзи олиб юрадиган пақирчасимон идиш. -*Қўявер, қозончанг балога қалқон бўлибди, — деди Бектемир илжайиб.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚОЗОНЧИ 1 *эск.* Қозон қуювчи; дегрез. *Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса.* Мақол.

2 Қозонга қаровчи, қозонхонада ишловчи ишчи, мутахассис.

ҚОЗОҚ 1 Қозоғистон Республикаси туб аҳолиси, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқнинг номи. *Қозоқ халқи.*

2 Шу халқ, миллатга тегишли, мансуб. *Қозоқ тили.*

ҚОЗОҚИ Қозоқларда бўладиган, қозоқларга хос бўлган; қозоқча. *Қозоқи кигиз. Қозоқи чақмон. Қозоқи қорамол зоти.* ▬ *Орқада бошига қозоқи тумоқ кийган подачи бола ҳадеб шовқин солар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚОЗОҚЛАР Қозоғистон Республикасининг туб аҳолиси, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; қозоқ халқи.

ҚОЗОҚЧА 1 Қозоқларга, қозоқ тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Қозоқча куй. Қозоқча кийим. Қозоқча сўз.*

2 Қозоқ тили. *Сиз қозоқча(ни) тушунасизми? Қозоқча гапирмоқ.*

ҚОИДА [*а.* قاعده – база, асос; пойдевор; туб; қонун-қоида, низом] **1** Турли ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни ифодаловчи, маълум система, амал ва ш.к. нинг асосини ташкил этувчи тартиб; қонун. *Сўз ясаш қоидалари. Илдиз чиқариш қоидаси* (мат).

2 Бирор иш-ҳаракат, амалнинг қандай бажарилиши ҳақидаги расмий кўрсатма, йўл-йўриқ ёки умум томонидан қабул қилинган тартибот. *Агротехника қоидалари. Йўл қоидалари. Гигиена қоидалари. Кўча ҳаракати қоидалари.* ▬ *Командир ротани бутун қоидага мувофиқ тартиб билан йўлга солди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Машҳур артист катта банкетларда кўп бўлган, меҳмондорчилик қоидаларини яхши биларди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Расм, одат. *Қадимдан қолган қоида.* ▬ *Қамишкапаликлар одамларни бирор хусусиятлари билан таърифлашни афзал кўрадилар. Шу қоидага мувофиқ, кулранг-кўкиш кўзли эшонни ҳамма катта-кичик «Зағчакўз домла» деб атарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мулла Обид, бошқа ўзбек деҳқонларимиз қоидаси бўйича, меҳмонларга ўз қўллари билан пишиб етиштирган нарсалардан узиб олиш таклифида бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚОИДАБУЗАРЛИК Қонун-қоидаларга риоя қилмаслик, тартибни бузиш. *Жиддий тўқнашув содир этилмаган, йўл қўйилган қоидабузарлик ҳам айтарли хавфли бўлмаса-да, йигитнинг бу ҳолати ички ишлар ходимларини шубҳалантирди.* Газетадан.

ҚОИДАЛАШМОҚ Қоида ҳолига келмоқ, қоидага айланмоқ, қоида бўлиб қолмоқ. *Қоидалашиб қолган тартиб-интизом.*

ҚОИДАЛАШТИРМОҚ Қоидалашмоқ фл. орт. н. *Қўшма сўзлар имлосини қоидалаштирмоқ.*

ҚОИМ [*а.* قائم – турувчи, тик турувчи, тик; бор, мавжуд] *кт.* **1** Тик, тикка. *Елкамда сочиқ, қўлимда супурги.. хизматда қоим турганимда, намоз тамом бўлди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма* Барқарор, муқим; мустаҳкам. *Бу меники, менинг саройим. Кўринг: бунда мен ўзим қоим.* М. Шайхзода. *Бу дунёда азият чекинг, зулм қилса, шикастлик билан қоим туринг.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚОИММАҚОМ [*а.* قائممقام – бирор мақом, ўринда турувчи, ўринбосар] Ўрнига турувчи, ўрнини босувчи; ўринбосар.

ҚОЙИЛ [*а.* قائل – айтувчи, сўзловчи, гапирувчи; ҳикоя, нақл қилувчи] **1** Завқланиб ёки тан бериб, офарин ўқишга, тасанно айтишга арзирли. *Қойил иш. Қойил одам.* ▬ *Белим қисиб, қовурғамни шиширдинг, Дўстим, сенинг зўрлигингга қойилман.* «Алпомиш».

Қойил қилмоқ 1) ишни ўрнига қўйиб, завқ бағишламоқ, маҳлиё қилмоқ, ҳайратга солмоқ, тан беришга мажбур қилмоқ. *Зағчакўз.. бир мисол билан ҳаммани қойил қилмоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) маҳорат билан бажармоқ, ўрнига қўймоқ; ўринлатмоқ, бопламоқ. *[Марасул:] Холам русчани ҳам қойил қиладилар.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Қойил қолдирмоқ** *айн.* **қойил қилмоқ 1**. **Қойил қолмоқ (***ёки* **бўлмоқ)** Завқ олиб ёки тан бериб, офарин ўқимоқ, тасанно айтмоқ. *Бу ишга барча қойил қолмоқда.* ▬ *Қовун сўйилди. Смирнов худди асалнинг рангига ва таъмига ўхшаш бир карчни оғзига солди-ю, мазасига қойил бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 *унд.с.* Офарин, тасанно. *Қойил! Қойил! Оббо сиз-э! Зўр экансиз-ку, жигар.* «Гулдаста».

ҚОЙИЛЛАТМОҚ *айн.* **қойил қилмоқ** *қ.* **қойил.** *Уни қаерга юборманг, ишни қойиллатади.* О. Ҳусанов, Зарафшон заршунослари. *Раҳим, ҳар қадамда Аҳмаддан туртки еб турса ҳам, тишини тишига қўйиб, ўз вазифасини қойиллатиш ҳаракатида эди.* Ҳ.

Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Хайрулла, табриклайман, бугун уч нормани қойиллатибсан!* С. Қодиров, Нурак нурхонаси.

ҚОЙИЛМАҚОМ [*а.* قائل‌مقام] *с.т.* Қойил қолса арзирли, кишини қойил қолдирадиган; ажойиб. *Қойилмақом иш. Қойилмақом рақс. Қойилмақом кийим.*

Қойилмақом қилмоқ *айн.* **қойил қилмоқ 2.** *қ.* **қойил.** *Киройи бригадир бўлса, Комилжондақа бўлсин. Тўртинчи чопиқни ҳам муддатидан олдин қойилмақом қилворди, дейишаётибди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Суратда сиз кўриб турган болакай Оғабекнинг қўшиқларини ёддан қойилмақом қилиб ижро этади.* Газетадан.

ҚОЙИМ [*а.* قائم – тик турувчи, турувчи] *айн.* **қоим 1**.

ҚОЛГАН-ҚУТГАН Ортиб ёки чиқитга чиқиб қолган; қолдиқ. *Қолган-қутган нарса. Қолган-қутган овқат. Қолган-қутганини йиғиштирмоқ.*

ҚОЛДИРИЛМОҚ Қолдирмоқ фл. мажҳ. н. *Мажлис қолдирилди.* ▬ *Онаси бир четкада қолдирилса, эҳтимол, пухта иш қилмаган бўлармиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОЛДИРМОҚ Қолмоқ фл. орт. н. *Китобни мактабда қолдирмоқ. Болаларни уйда қолдирмоқ. Сут учун пул қолдирмоқ. Концерт ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Ўқишдан қолдирмоқ. Бировни қийинчиликда қолдирмоқ. Ҳайрон қолдирмоқ. Шахматда ҳаммани қолдирмоқ. Бугунги ишни эртага қолдирма.* Мақол. ▬ *[Абдишукур] Таҳсилини чала қолдириб, мадрасадан чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Олгин-у, ҳеч олдирма, Ёвга омон қолдирма.* Т. Тўла. *Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб, айвоннинг чап тарафидаги дарича орқали уйга кирамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОЛДИҚ 1 Нарсаларнинг ортиб ёки сақланиб қолган қисми. *Бузилган шаҳар қолдиқлари. Папирос қолдиғи.* ▬ *Душман қолдиқлари қаршилик кўрсатишни давом эттира бердилар.* Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев.

2 Чиқит, чиқинди. *Нефть қолдиқлари. Қолдиқлардан тикилган кўйлакча.* ▬ *Чувалчанг, асосан, ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади.* «Фан ва турмуш».

3 Йўқолиб кетган ёки ўтган, ўлиб бораётган воқеа-ҳодиса ва ш.к. дан қолган нишона, асорат. *Бўғма илонда тери остида салгина бўртиб турадиган орқа оёқ қолдиқлари бўлади.* «Зоология».

4 *кўчма* Эскидан қолган дунёқараш, расм-русм, урф-одат ва ш.к.; сарқит. *Феодализм қолдиқлари.* ▬ *Йиллар давомида у [Юсуфжон] бугунги авлоднинг яшашига тўсқинлик қилаётган ўтмиш қолдиқларини кулги билан фош этади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

5 *мат.* Бўлув амалида ортиб қолган сон, миқдор. *5 га қолдиқсиз бўлинадиган сон.*

6 Бухгалтерия ҳисобида муайян давр учун пул тушумлари ва харажатлар ўртасидаги айирма. *Корхона кассасидаги нақд пуллар қолдиғи.*

ҚОЛИП [*а.* قالب – андаза; қолип; қуйма шакл] **1** Тикиладиган пойабзалнинг ичига қўйиладиган ва унинг катта-кичиклигини, шаклини белгилайдиган мослама. *Ёғоч қолип. Қирқинчи қолип. Этикни қолипга тортмоқ.* ▬ *Унинг.. катта бошида худди қолипга тортилган маҳсидай таранг турган чуст дўпписи ҳам бор эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Амалий санъатда: безак нақшни қўйиб (тортиб), босиб ясаш учун ишлатиладиган махсус шаклдаги мослама; андаза.

3 *махс.* Қуйма деталь ёки маҳсулотга шакл берадиган мослама. *Ғишт қолипи. Совун қолипи. Қозон қолипи. Қолипга деталь қуймоқ.* ▬ *Айвонда совунгарнинг қолипидай қотиб қолган ўртоқ Меҳмонов бу сўзларни эшитар экан, қўлини пахса қилиб, хотинига ўкира кетди.* С. Абдулла, Обрўйим тўкилади.

4 *кўчма* Андаза, шаблон. *Бир қолипдаги гап. Бир қолипда қурилган иморатлар.* ▬ *Очиғини айтсам, уларни бир қолипда ишлашдан чекинишга мажбур қилишгача бориб етдик.* Газетадан.

5 *кўчма* Ҳад, чегара, меъёр. *Синфда бордир бир хил Эркатой, ҳаддан ошган, Шўхлиги суюқлашиб, Қолипдан ошиб-тошган.* Ҳ. Назир. *Одам тақдирини ҳал қилиш учун сизнинг қолипдан чиққан саволингиз торлик қилади.* А. Мухтор, Туғилиш.

Ғишт қолип(и)дан кўчди *қ.* **ғишт.**

ҚОЛИПАКИ [*а.* + *ф.* قالبکی , قالبک – қолипли, қолипланган] Заргарликда: буюмлар ва уларнинг безакларини қолип ёрдамида ишлаш; шу усулда яратилган буюм.

ҚОЛИПЛАМОҚ 1 Қолипга тортмоқ, ичига қолип солмоқ. *Этикни қолипламоқ. Туфлини қолипламоқ.*

2 Қолипга солиб, қуйиб шакл бермоқ, қолипга солиб, қуйиб маҳсулот тайёрламоқ. *Ғишт(ни) қолипламоқ. Торфни қолиплаш саноати.*

3 *тех.* Деталь қуйиш учун қолип тайёрламоқ. *Двигатель блокларини қолипламоқ.*

4 *кўчма* Маълум бир қолипга солмоқ, маълум шаклга келтирмоқ, шакллантирмоқ. *Гўё фикрни қолиплаб қуйиб олгандай сиқиқ гапирмоқ.*

ҚОЛИПЛОВЧИ Қуймачилик цехида машина қисмларини қуйиш учун қолип тайёрловчи ишчи. *Қуюв цехининг қолипловчилари.*

ҚОЛИПЧИ 1 Қолип ясовчи уста.

2 *айн.* **қолипловчи.**

ҚОЛИШМОҚ 1 Қолмоқ фл. бирг. н. *Болалар уйда қолишди. Улар жим қолишди.* ▬ *Чойхонадаги одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

2 (*ч. к. билан, фақат бўлишсиз шаклда*) Қиёсан паст келмаслик, бўш келмаслик, ёмон эмаслик. *Улар билим жиҳатидан бирбиридан қолишмайди.* ▬ *Болта кўпас Миркомилдан қолишмайдиган юҳо чиқиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир тўп ярадор жангчилар.. соғлардан қолишмаслик учун бор кучлари билан югуришга тиришардилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚОЛМОҚ 1 Бошқа жойга кетмай, бормай, жилмай, қўзғалмай, ўз жойида бўлмоқ; жойини тарк этмаслик. *Уйида қолмоқ. Кутубхонада қолди. Биз бу йил ҳам қишлоқда қолдик.* ▬ *Отамлар бу ерда қолмоқчилар, сардоба қуришни ўйлаяптилар..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мажлис бўлган жойда ўша гапирган одаму яна бир неча киши қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Бор, мавжуд ҳолатда бўлмоқ; бор (инкор шаклида йўқ ҳолатни, йўқ эканликни билдиради). *Ёнимда юз сўм қолди. Уйда кўк чой қолмабди. От ағанаган ерда жун қолар.* Мақол. ▬ *Келгуси асрга икки қадамгина йўл қолди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Қўқондан бошимни олиб чиқиб кетишдан бошқа чорам қолмаган менинг, ака!* К. Яшин, Ҳамза.

3 Бирор ҳолат, вазият, макон (жой) ва ш.к. да мавжуд бўлмоқ. *Ёлғиз қолмоқ. Жим қолмоқ. Виждон азобида қолмоқ. Оч қолмоқ. Иш чала қолди. Қуршовда қолмоқ.* ▬ *Фашистларнинг ўқ, ханжари-ла Талай ёшлар қолди бепадар.* Ғайратий. *Содиқ жияним, башарангми, дўлда қолган таппими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ишлатиш, фойдаланиш ва ш.к. дан холи бўлиб сақланмоқ, ортмоқ; шу тариқа кейингилар ихтиёрига ўтмоқ, мерос бўлмоқ. *Бу иморат отангиздан қолган бўлса керак?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бир парча ер ҳаммадан қолади, ўғлим. Ҳеч ким қабрига орқалаб кетмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ота-боболардан қолган удум бу, қизим.* К. Яшин, Ҳамза.

5 Дахл этолмаслик, етишолмаслик, эришолмаслик. *Ўзимам қизиқман-да, шу ёмғирдан қўрқиб, мактабдан қолиб ўтирсам.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Элдан қолгунча эрдан қолган яхшироқ, деб шуни айтса керак-да.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Иссиқ, юмшоқ пахта қоплар, араванинг бешик сингари тебраниши.. кеча уйқудан қолган Ғуломжонни элитди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Барҳам топмоқ, йўқ бўлмоқ. *Шўхликлари қолди. Аввалги йўталишлари қолди. Ишонч қолмади. Сабр-тоқат қолмади. Юришга мадори қолмади.* ▬ *Сурмахон, пала-партишлигингиз сира ҳам қолмади, қолмади-да!* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

7 Масофа, вақт нуқтаи назарида бўлмоқ, бор бўлмоқ. *Шаҳарга яна ўттиз километр (йўл) қолди. Поезд жўнашига бир соат қолди.*

8 Сақланмоқ, омон қутулмоқ. *Юз ўлимдан қолганман.* ▬ *Ўғрилардан биттаси тутилди.. қолганлари ҳам ушланур, деб ўйлайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Иш-фаолият, фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлмоқ. *Мариямнинг бахтига қарши, амаки сил касаллигига учраб, ишдан қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қулоқдан ҳам қолганмисиз? Илҳом акамнинг ҳам дараклари йўқ, деяпман!* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Илгари катта найчи бўлган, кейин кўздан қолиб, уйга қамалган.. ҳамқишлоғидан ҳам бир оз таълим олган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

10 Дучор бўлмоқ, гирифтор бўлмоқ, йўлиқмоқ. *Балога қолмоқ. Маломатга қолмоқ. Туҳматга қолмоқ. Ташвишга қолмоқ.* ▬ *У ҳам кишилар олдида бу бахтсиз қизининг таънасига қолмасин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энди сенларнинг касофатларингга мен қоламанми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

[*Сурмахон*:] *Шу кунга қолишимга сиз сабабчи бўлдингиз, ойи.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

11 Бирор нарсадан бенасиб, бебаҳра қолмоқ. *Тўйдан қолмоқ. Фойдадан қолмоқ.* ▬ *Бир якшанба куни Аҳмаджон ошхонага дежур бўлиб, уйқудан қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

12 (*ў.-п. к. билан*) Бирор ҳодисанинг бевосита таъсирида бўлмоқ. *Ёмғирда қолмоқ. Офтобда қолмоқ. Совуқда қолмоқ.*

13 Белгиланган вақтдан кейинга сурилмоқ, кечиктирилмоқ, бошқа муҳлатга кўчирилмоқ. *Мажлис қолди. Тўй келаси ойга қолди. Қолган ишга қор ёғар.* Мақол. ▬ *Дамба масаласи кейинга қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Юсуфбек ҳожи*:] *Ўттиз икки тангадан солиқ йиғ, эмиш.. Бир ҳафтадан кейинга қолмасин, эмиш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

14 *с.т.* Ютқизмоқ, мағлубиятга учрамоқ (ўйинда). *У мендан беш марта қолди.*

15 Боғли бўлмоқ, қараб турмоқ (бирор иш, масала ва ш.к. ҳақида). *Ҳамма иш менда қолди. Иш пулга қараб қолди.* ▬ [*Ҳожи хола*:] *Ҳамма гап ўзингизда қолган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

16 Ҳаракат номига қўшилиб, шу ишни бажариш лозимлигини, шундай вазифа, мажбурият борлигини билдиради. *Ош пишди, фақат уни сузиш қолди.* ▬ *Энди.. фармонни халққа тушунтириш, унинг кераклигини, фойдасини уқтириш қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

-га қолганда Иш, гап ва ш.к. га бориб тақалганда. *Нега ҳар нарсага етган ақлинг шунга қолганда оқсайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кўнгли қолмоқ** *қ.* **кўнгил**. **Лаънат тагида қолмоқ** Кимсанинг нафратига, лаънатига, қарғишига дучор бўлмоқ. **Менга** (*ёки* **сенга, унга** ва ш. к.) **қолса** Ихтиёр ва ш.к. менда бўлса; мендан сўралса. *Сенга қолса, худони ҳам йўқ дейсан.* А. Қаҳҳор, Янги ер. *Оппоқ ойингга қолса, Кумуш опангни ҳам бирга олиб кетмоқчи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Орамизда (***ёки* **ўртамизда) қолсин** Сир сақлансин, ҳеч кимга билдирилмасин. *Яхши ҳамки бу гап ўз ўрталарингизда қолиб кетди.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Орқада қолмоқ** 1) бошқалардан кейинда юрмоқ, судралмоқ. *Булар гап билан бўлиб, хийла орқада қолиб кетишди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) босиб ўтилмоқ, ўтиб кетилмоқ. *Шундай қилиб, бўрон билан келган қийинчиликлар орқада қолиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) *кўчма* бирор жиҳатдан бошқаларга нисбатан кейинда бўлмоқ, бошқалар ёки замон даражасига етолмаслик. *У мендан уч синф орқада қолди. Орқада қолган мамлакат*; 4) кечикмоқ, секин юрмоқ (соат ҳақида). *Соатим уч минут орқада қолибди*; 5) бирор кишининг вафотидан кейин умр кўрмоқ, яшамоқ. *Болаларим, илоё орқамда қолинглар.* **Пулнинг** (*ёки* **фойданинг**) **тагида қолмоқ** Кўп пул (фойда) топмоқ; пулга (фойдага) кўмилмоқ. **Қола берса** Ундан кейин, шунингдек. *Аввали худо, қола берса, мен уни уйлантириб қўйдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қуруқ қолмоқ** *қ.* **қуруқ 8.**

ҚОЛОҚ 1 Тараққиёт поғонасининг қуйи босқичида бўлган, тараққиёт жиҳатидан орқада қолган, унчалик тараққий қилмаган. *Қолоқ мамлакат.*

2 Дунёқараши, онг-тушунчаси паст бўлган; етук эмас. *Ўзларини дин ва шариат мухлиси деб атаб, айрим қолоқ кишиларни алдаб, шилиб юрган бетавфиқлардан.. нима кутиш мумкин?!* «Муштум». *Афғонистоннинг қолоқ одамларини ўта содда, кўчманчиларни эса ярим бадавий дейдиганлар хато қилади.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

3 Ҳозирги замон талабига жавоб беролмайдиган, истеъмолдан чиққан; эски. *Қолоқ усул. Қолоқ технология.*

4 Ишда, ишлаб чиқариш режаларини бажаришда, моддий-техника базасининг ривожланиши ва ш.к. да бошқалардан орқада бўлган. *Қолоқ хўжалик. Қолоқдан чўлоқ яхши.* Мақол. ▬ *Бизда мусобақа қолоқларга кўмаклашиш йўли билан умумий юксалишга эришишга асослангандир.* Газетадан.

5 Дарсларни ўзлаштира олмай, бошқалардан орқада қолган, ёмон ўқийдиган, улгурмовчи. *Қолоқ ўқувчи.*

ҚОЛОҚЛИК Қолоқ ҳолат. *Иқтисодий қолоқлик. Қолоқликка барҳам бериш. Қолоқликдан чиқиш.* ▬ *Қолоқлик, ҳавойи гап, келишувчилик.. «қўлдан кетгунча» тарзида иш қилишга заррача шафқат йўқ.* «Муштум».

ҚОМАТ [*а.* قامت — бўй, қад, гавда; туриш, намознинг бошланиши] Кишининг, киши танасининг ташқи бичими; қад, бўйбаст. *Қомати келишган йигит.* ▬ *Гулнорнинг нозик ва нафис қомати даҳлизда кўриниб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Алиф**

қомат *қ*, **алиф** I. **Сарви қомат** *қ*. **сарвқомат. Қоматини ростламоқ** *айн*. **қаддини ростламоқ** *қ*. **ростламоқ 3**. *Қоматини ростлади, велосипедни етаклаб, кўчанинг у юзига – майхона томонга ўтди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Қулоқни қоматга келтирмоқ** *айн*. **қулоқни батанг қилмоқ** *қ*. **батанг.** *Унинг қулоқни қоматга келтирувчи хурраги орасида кечаси билан хотинининг пиқ-пиқ йиғи товуши эшитилиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Қўлни қоматга кўтармоқ** *дин*. Намоз ўқишда икки қўлнинг бош бармоғини икки қулоққа етказмоқ. *Кавушини ечиб, тўнини ёзди ва унинг устида туриб, қўлини қоматга кўтарди.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

ҚОМАТДОР [*а*. + *ф*. قامتدار – бўйи, қомати бор] *айн*. **қоматли.** *Қоматдор, дов йигит.*

ҚОМАТЛИ Қомати, гавдаси келишган ва йирик; гавдали, жуссали. *Баланд сарвдек ул чол қоматли..* М. Шайхзода.

ҚОМУС [*а*. قاموس – океан; луғат; сўз бойлиги] **1** Мукаммал, тўлиқ луғат. *Шамсиддин Сомийнинг «Қомуси туркий» луғати.*

2 *айн*. Энциклопедия; энциклопедик луғат.

3 *кўчма* Ҳаётнинг ёки билимнинг бирор соҳасига оид тўлиқ асар; мажмуа. *Оғзаки халқ ижодининг қомуси.* ▬ *Эй, узоқ ўлкадан келган пахтакор, Сўзларинг хазина, пахта қомуси.* Ғ. Ғулом.

ҚОМУСЧИ 1 *с. т.* Қомус, энциклопедия, луғат тузган ёки тузувчи киши; энциклопедиячи.

2 *кўчма* Ҳар томонлама маълумотга эга бўлган, ўқимишли киши; энциклопедист олим.

ҚОН 1 Организмнинг юрак ва қон томирлардан иборат ёпиқ система ичида тўхтовсиз ҳаракатланиб турувчи суюқ тўқимаси (аъзо ва ҳужайраларни озиқлантирадиган, модда алмашинишини таъминлайдиган қизил суюқлик). *Артерия қони. Вена қони. Қон айланиши. Қон босими. Қон кетиши (оқиши). Қон томирлари.* ▬ *Яра кўкракда, юракка яқин: ундан қуюқ қон ҳали ҳам силжиб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қон айланиши Қоннинг қон томирлари системасида ҳаракатланиши: одам организми билан ташқи муҳит ўртасида модда алмашинувини таъминлайди; бу туфайли ҳужайраларга кислород ва озиқ моддалар етказиб берилади, моддалар алмашинувида ҳосил бўлган чиқинди моддалар олиб кетилади. **Қон босими** Томирларда оқаётган қоннинг шу томирлар деворига кўрсатадиган тазйиқи: юрак иши ва томир деворининг қаршилиги туфайли юзага келади. **Қон ивиши** Қоннинг суюқ ҳолатдан лахтага айланиши – организмнинг қон йўқотишга тўсқинлик қиладиган физиологик ҳимоя реакцияси. **Қон чиқариш** 1) даво мақсадида қон томирларидан (кўпинча венадан) тешиб ёки тилиб қон оқизиш; 2) жонлиқ сўйиб, эҳсон, худойи қилиш.

2 *кўчма* Туғишганлик, қариндош-авлодлик рамзи сифатида. *Ота-бобоси санъаткор ўтган-да, қонида бор.* «Ёшлик» *Улар «Ўзимнинг қоним, қўйнидан тўкилса қўнжига, бегона бўлмасин» қабилида иш тутадилар.* Газетадан.

3 *кўчма* Нарсаларнинг яшаш, ҳаракатланиш рамзи сифатида; «жони», «юраги»; қон томири. *Нефть моторларнинг қонидир, Нефть мамлакатнинг шонидир.* Ё. Мирзо. *Нутқ инсоний маданиятнинг қон томири, асоси ва ўзагидир.* «Саодат».

4 *кўчма* Шахсга хос ҳиссиёт, ҳис-туйғу. *Қандайдир бир паривашнинг оловли жозибаси, ҳусн-малоҳати унинг эркаклик қонига чўғ ташлаб юборган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Жайроннинг шамолдек енгил ирғишлаб қочиши беихтиёр кўзни ўйнатиб, одамда овчилик қонини кўпиртиради.* М. Мансуров, Ёмби.

Бир қошиқ қонидан кечмоқ (*ёки* **ўтмоқ)** Гуноҳини кечириб, ўлимдан қолдирмоқ, афв этмоқ. ▬ *-Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтурман. -Кечдим, айтингиз..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Кечиринг, хоқоним, йўлдан озган бандамиз, бир қошиқ қонимдан ўтинг.* У. Исмоилов, Сайланма. **Бағри** (*ёки* **дили, жигари, юраги) қон** Қаттиқ ғамқайғули, ғам-қайғу билан эзилган. *Эй дунёйи бевафо!.. Қаҳрингдан ҳамманинг бағри қон, кўнгли паришон..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғуломжон ҳам сувга ташна жон, ҳам ёр ҳажрида дили қон эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Киндик қони тўкилган ер** (*ёки* **жой, тупроқ** *қ*, **киндик** I **2**. **Кўзига қон тўлмоқ** Қаттиқ жаҳли, ғазаби қўзғамоқ; шундай ҳолатда бўлмоқ. *Яна, жазо отрядининг кўзига қон тўлиб турган пайтда бир кор-ҳол бўлмасин дейман.* К. Яшин, Ҳамза. *Додхоҳ-*

нинг.. мўйловлари учди, қовоқлари бадтар тушди, кўзларига қон тўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Рангида** (*ёки* **юзида) қони йўқ** Ранг-туси ўчган. *Унинг рангида қон йўқ эди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Кампир унинг бошини кўтарди. Чолнинг юзида қон йўқ эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Юзидан қон томади** Соғлом, юзлари қип-қизил кишиларга нисбатан айтиладиган ибора. **Қон бўлмоқ** Жуда диққати ошмоқ. *Ётавериб, жуда қон бўлиб кетдим, кечки ҳавода бирпас айланай, деган эдим.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Қон йиғламоқ** Қаттиқ, эзилиб-куйиб йиғламоқ, қаттиқ азобли ҳолатда йиғламоқ. *..унинг кўзларига кўзи тушиши билан, холанинг оғир юрак яраси янгиланар, қон йиғлаган қайғули куни ёдига тушар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Қон тўкмоқ** Қурбон бериладиган уруш, жанг қилмоқ; шу йўл билан киши(лар)ни қурбон қилмоқ. *Отабек ва йўлдошларининг қонлари тўкилмасин, деб бу гапларни ичимга ютиб юрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ватан учун қон тўкамиз, қон тўкамиз, қон.* Ҳ. Олимжон. **Қон чиқармоқ** *дин. этн.* Жонлиқ сўйиб, худойи қилмоқ. **Қон ютмоқ** Қаттиқ қайғу-азобда қолмоқ; бағри қон бўлмоқ. *Кеча-кундуз бунда фиғон этаман, Шоҳ қизи, деб бунда қонлар ютаман.* «Баҳром ва Гуландом». **Қон (***ёки* **қон-қора) қақшамоқ** Зор-зор йиғламоқ, қақшаб йиғламоқ; жуда қақшамоқ. *Кимлар учун ўз ёр-биродарларингни қон қақшатасизлар?* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бозор қўйларни тополмаслигига ишонгандан кейин .. бошига тупроқлар сочар ва қон-қора қақшаб йиғларди,* С. Айний, Дохунда. **Қон қилмоқ** Жуда диққатни оширмоқ; хуноб қилмоқ. *Бир бало десангиз-чи! Қон қилиб юбордингиз-ку!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Ойимни Фарида қон қилаётгандир, қорним оч деб.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Қони қайнамоқ** Ғазаби қўзғамоқ, жаҳли чиқмоқ. *Унинг беҳаё қарашидан нияти ёмон эканини билди-ю, Ёдгорнинг қони қайнаб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Қони қочмоқ** Ранги ўчмоқ; қизиллиги йўқолмоқ. *Боя қони қочиб, кўкиш бўлиб қолган қорача юзи энди қонга тўлиб, бирдан жигарранг тус олди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Қони қўшилмоқ (***бўлишсиз шаклда*) Эл бўлмоқ, элакишиб, қўшилиб кетмоқ. *Эргашни бошқа бўлинмага ўтказиш керак.. Ҳеч бизга қони қўшилмади-қўшилмади-да.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Қонига** (*ёки* **қон-қонига) сингмоқ** Жуда ҳам хос бўлган хусусиятга, одатга айланмоқ. *Темур сарбозларидек қилич чопиш.. енгиш, катта ўлжалар билан қайтиш Хуросону Мовароуннаҳрлик сарбозларнинг қон-қонига сингиб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Қонига ташна қилмоқ** (*ёки* **этмоқ)** Жуда ҳам безор қилмоқ, жондан тўйдирмоқ. *Холохунбой бу ҳолдан олади нашъа, Этиб меҳнат аҳлини қонига ташна.* Ғайратий. **Қонини сўрмоқ** Мажбурлаб, эзиб, кучидан фойдаланмоқ. *Менинг бу ерга келишдан мақсадим меҳнаткашларнинг қонини сўриб келган муштумзўрларни таг-томири билан тугатишда сиз оғаиниларимга ёрдам беришдир.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚОНАМОҚ Кесилиш, тилиниш, ситилиш, ёрилиш натижасида қони чиқмоқ, қони оқмоқ. *Тикан кириб, қўли қонади.* ▬ *Ўз ёнида ғумай юлаётган Адолатнинг қўли қийилиб қонаганини кўрган Бегимхон хахолаб кулиб юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Бурни қонамоқ 1) бурнидан қон келмоқ. *Уни офтоб уриб, бурни қонади;* 2) кўчма жабр кўрмоқ, шикаст емоқ; азият чекмоқ. *Жангнинг тез тугаллангани.. Фарғонада қатли ом у ёқда турсин, бирон кишининг ҳам бурни қонамагани меъмор Нажмиддин Бухорийни.. хурсанд қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚОНДИРМОҚ Қонмоқ фл. орт. н. *Нафсини қондирмоқ. Экинларни сувга қондирмоқ. Ғўзаларни қондириб суғормоқ. Талабни қондирмоқ.* ▬ *Қайин отамга ёзганим қисқа бўлгани учун, сиз унга мендан эшитганларингизни сўзлаб қондирарсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Африка арслони ўз она кўкси — Нилдан қондиради ташналигини.* Ғ. Ғулом.

2 *айн.* **қониқтирмоқ 2.** *Қамишкапанинг тенг ярми бўлган аёллар талаб қилса-ю, уларнинг талабини қондириш, биринчи галда, унинг вазифаси эмасми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚОНДОШ 1 Бир ота-онадан туғилган, бир авлодга мансуб; қони бир; қариндош, қон-қардош. *Менга қондош, жондош бўлган эл Гадо эди, қашоқ эди, хор.* Ҳ. Олимжон. *Азал-азалдан бир-бирига қондош-қариндош, дўст-биродар бўлиб келган халқларимиз, ота-боболаримизнинг тарихий традицион биродарлик карвонлари изидан юрмак навбати бизникидир.* Ғ. Ғулом, Тарихий муносабатлар.

2 *кўчма* Қони бир каби ўзаро боғлиқ бўлган, бирликка эга бўлган. *Нева бўйларида юраман бу кун, Шимол шаббодаси юзга урилар.. Ботир халқ жонини бергудай тункун, У менга қадрдон, қондош кўринар.* Р. Бобожон. *Гўзаллик фақат лутф билан эмас, умуман, шеърият билан қондош ва жондошдир.* «ЎТА».

ҚОНИҚАРЛИ Қаноат ҳосил қила оладиган, қаноатланарли деб бўладиган. *Қониқарли жавоб. Қониқарли баҳо. Ҳисобот давридаги иши қониқарли топилди. Қониқарли ишламоқ. Қониқарли ўқимоқ.*

ҚОНИҚАРСИЗ Қаноатлантирарли деб бўлмайдиган, қаноатланарсиз. *Қониқарсиз жавоб. Иш қониқарсиз олиб борилмоқда.*

ҚОНИҚИШ 1 Қониқмоқ фл. ҳар. н. *Ғўзаларнинг қониқишига ҳали бор.*

2 Қаноат ҳисси; мамнунлик. *Зўр (чуқур) қониқиш билан таъкидламоқ.* ▬ *Деҳқонлар чеҳрасида қониқиш.. миннатдорчилик белгиси чақнаб турарди.* Ҳ. Нуъмон, Янги уфқлар.

ҚОНИҚМОҚ 1 *айн.* **қонмоқ.** *Уйқуга қониқдингизми, Жўра ака?* Ойбек, Танланган асарлар. *Фазлиддин.. аччиқ чойни босиб ичиб қониққач, извошни қўшди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У ўзида яқинларини кўрмоққа, сўзлашмоққа эҳтиёж сезар, сўзлашиб, негадир қониқмаганини ҳис этар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қаноат ҳосил қилмоқ, қаноатланмоқ. *Тўла жавоб бердингиз, қониқдик, ука.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шинам квартирасида ўз ишларидан қониққандай масрур ётган Умид ўқиётган китобини ёнди-да, кўчага чиқди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҚОНИҚТИРМОҚ 1 Қониқмоқ фл. орт. н. *Тўйнинг қий-чуви, меҳмонларни чой билан қониқтириш учун шошилиш.. каби юмушлар Гулнорни Йўлчи олдига аста-секин яқинлашувга мажбур қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Амалга оширмоқ, бажо келтирмоқ, бажармоқ. *Бировнинг талабини қониқтирмоқ.* ▬ *Дадангизнинг орзусини қониқтириш — сизга фарз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОНИҚҚУВЛИК *кам қўлл. айн.* **қониқарли.** *Шу кечаю кундузда ишимиз қониққувлик эмас-ку.* Ҳ. Назир, Олмос.

ҚОНЛАМОҚ *этн.* Жонлиқ сўйиб, унинг қонини беморнинг баданига суркамоқ. *Сотиболдининг хотини оғриб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб, толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб, қонлади.* А. Қаҳҳор, Бемор.

ҚОНЛИ 1 Қони бўлган, қони бор. *Иссиқ қонли ҳайвонлар.* ▬ *Унсин.. акасини қучоқлаб, қонли ярасига юзини, кўзини суриб ёта берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қон юқли, қон теккан, тўкилган. *Қонли қилич.* ▬ *Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Муҳаррам жуда шошиб қолган эди. Унинг кўз олдига қонли майдону эрининг чўзилиб ётгани келди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Қон тўкиш, хунрезлик билан содир бўладиган. *Қонли урушлар. Қонли жанг.* ▬ *Кўп сирларнинг, қонли кунларнинг Гувоҳисан, улуғ Днепр.* Ғайратий. *Уни жонига теккан бир ёки бир неча қарздори ўлдирган, ё бўлмаса, бирор ўзидай ахлоқсиз рақиби ундан қонли ўч олган.* С. Айний, Эсдаликлар.

Тўла қонли, тўлақонли Ҳар жиҳатдан мукаммал. *..замондошларининг тўла қонли образларини роман, повесть, шеърларда ўқишни, саҳна ва экранларда кўришни истайдилар.* Газетадан.

ҚОНЛИҚ *шв.* Жонлиқ.

ҚОНМОҚ 1 Талаб даражасида еб, ичиб тўймоқ, нафси ором олар даражада емоқ, ичмоқ ва ш.к. *Уйқуга қонмоқ. Чойга қонмоқ.* ▬ *Салқин булоқлардан қонар йўловчи.* Миртемир. *Севган қизи билан ҳеч бўлмаса бир томошага бориб, бир қониб гаплашиш истаги гўё унинг қоронғи кўнглига ёғду сочгандай бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ота-онаси, ўртоқларини меҳри қониб-қониб кўрса, дийдорларига тўйса.* Ғ. Расул, Адолат.

2 Кўнгли тўлмоқ, мамнун, хурсанд бўлмоқ, қаноат қилмоқ. *Озга ҳам қонмоқ.* ▬ *Яхши қолинг, севган юрту диёрим! Хизмат қилиб қонмай, қонга бўялдим.* Ҳамза.

3 *кам қўлл.* Қаноат, ишонч ҳосил қилмоқ ишонмоқ. [*Содиқ*:] *Муталбой сизни обдан яхши биладур, Ҳомид ака! Сизнинг қандай хизматингиз борлигига ҳам қонган.. Аммо унинг сиздан бир илтимоси бор экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОНСИЗ 1 Қони йўқ, қони бўлмаган,

2 Қони оз; қони қочган, ранги ўчган, ранги оқарган, рангсиз. *Унинг қонсиз юзларидан яқинда госпиталдан чиққани сезилиб турарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ҚОНСИЗЛАНМОҚ 1 Кўп қон йўқотмоқ; қони камаймоқ.

2 Қони, ранги қочмоқ, ранги ўчмоқ, оқармоқ. *Сафар бўзчининг бу сўзидан имомнинг қонсиз ранги яна қонсизланган, оламунчоқ кўзи алланечук ҳолатга кирган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚОНСИЗЛИК 1 Қони йўқлик.

2 *тиб.* Камқонлик. *Бари бир ўласан, очликданми, қонсизликданми, қийналиб, хор бўлиб ўласан.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚОНСИРАМОҚ 1 Кўп қон йўқотиб, қонсизланиб заифлашмоқ. *Унинг кўз ўнгидан бутун олам йўқолиб, фақат икки нарса қолди: қонсираб оқаришган.. дудоқ, дока билан боғланган томоқ.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Қон тўкишни қўмсамоқ, қонга ташна бўлмоқ. *Қонсираган ханжарини белига осиб, ойболтасини кўтарган жаллод қушбегининг ҳукмига мунтазир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Азим қонсираб ётган йиртқич кўзларини пилпиллатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚОНТАЛАБ 1 Кўп қон йўқотган, қонсизланган, қонсираган.

2 Қон тўкишни қўмсаб қолган, қонсираган, қонга ташна. *Кўзлари хонасидан чиқай деяётган, қонталаб жаллод Жуманиёз пучуқ «айбдор»нинг кетидан ханжарини яланғочлаб эргашди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Интиқом, ўч, қасос олиш пайида бўлган, қонга қон талаб қилувчи. *Қонталаб рақиб.*

ҚОНТАЛАШ 1 Шикастланишлар ва баъзи касалликлар таъсирида юмшоқ тўқималарга қон қуйилиши; қон қуйилган ҳолат, кўриниш. *Қонталаш доғлар.* ▬ *Банди қонталаш лабларини аранг қимирлатар, бироқ гапиролмасди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Мулла Тўрахон.. хавф-хатардан қутулганига ишонгач, қўш қўллаб эшикни очди ва қонталаш пешонасини кўрсатди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

2 *кўчма* Қон тепиб турган, серқон, қип-қизил олмадек. *Зайнобиддиннинг гўштдор, қонталаш юзларида ҳамиша жилмайиш.* Мирмуҳсин, Тирик товон.

3 *кўчма* Қизил тусга кирган; қизарган, қизил. *Қонталаш уфқ.* ▬ *Қонталаш осмон хиралашиб, адирлар орқасидан этагини судраб оқшом кела бошлади.* Ў. Ҳошимов, Чўл ҳавоси.

ҚОНТАЛАШМОҚ 1 Зарбдан ёки касаллик натижасида қизармоқ, кўкармоқ; моматалоқ бўлмоқ. *Тош теккан жойи қонталашиб кетибди.* ▬ *Унинг юзлари шилиниб, қонталашиб ётарди.* Мирмуҳсин, Чўри.

2 *кўчма* Серқонликдан қип-қизил бўлиб турмоқ. [*Директорнинг*] *Семизликдан кўзлари қисилиб кетаётган, қонталашган юзлари тирсиллаб, ёрилиб кетгудай.* А. Муҳиддин, Юзига чарм қоплаган киши.

3 *кўчма* Қизил тусга кирмоқ, қизармоқ. *Уфқда қора тутун, қонталашган осмон.* Ғ. Ғулом. *Зиндонбон, ҳозир ўлжасига ташланаётган йўлбарсдек, қонталашган кўзларида ҳирс.. секин-секин унга яқинлашиб келарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚОНУН I [*а.* قانون – тартиб, қоида, кўрсатма; ҳуқуқ; кодекс; усул, расм] **1** *флс.* Объектив борлиқда турли ҳодисалар ўртасида киши онгидан ва ихтиёридан ташқари ҳамиша мавжуд бўлган муҳим, зарурий, барқарор боғланиш, муносабат. *Ижтимоий тараққиёт қонунлари. Табиат қонунлари. Диалектика қонунлари. Тафаккур қонунлари. Зиддиятларнинг бирлиги ва кураши ҳақидаги қонун. Энергиянинг сақланиш қонуни.* ▬ *Ҳа, баракалла, таъсир ва акс таъсир қонуни, тўғри, худди шунинг ўзи.* С. Кароматов, Олтин қум. *..метатеза қонуни тил тараққиётининг яқин даврлар ичида пайдо бўлган фонетик ҳодисаси бўлмай, балки жуда қадимги ҳодисадир.* «ЎТА».

2 *ҳуқ.* Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий қоида; ана шундай муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси. *Жиноят қонунлари. Қонунлар тўплами. Қонун чиқармоқ. Қонун чиқарувчи орган.* ▬ *-Адвокатим қонунни сув қилиб ичиб юборган қонуншунос, – деди Авазбой.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мамлакатнинг ичкарисида бирон қонунни бузсанг, жазосини ўзинг якка тортасан, бу ерда* [*фронтда*] *қонунни бузсанг, жазосига бошқаларни ҳам шерик қиласан.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ушбу қонун қабул қилингандан буён.. ноҳукумат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик жадал суръатлар билан ривожланди.* Газетадан.

3 Бажарилиши шарт, мажбурий бўлган, одат, қоида тусига кирган иш-амал, талаб,

топшириқ ва ш. к. *Отасининг сўзи — унинг учун қонун.* ▬ *Аҳмад бу ерда меҳмон ҳисобланарди. Меҳмоннинг раъйи эса мезбон учун қонун* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Унинг ҳар бир гапи қонун. Тур деса, Сотбой туради, ўтир деса, ўтиради.* «Муштум». *Жамоа аъзолари учун барча иш жараёнларини сидқидилдан бажариш қонун бўлиб қолган.* Газетадан.

4 Бир динда қабул қилинган ахлоқ ва расм-русум қоидалари тизими. *Шариат қонуни.*

ҚОНУН II [*а.* قانون – бир турли мусиқа асбоби] Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, чангга ўхшаш, қадимий торли-тирнама чолғу асбоби. *Хўжа Абдулло.. ажойиб қонун чаларди, шеър айтарди.* Ойбек, Навоий.

ҚОНУНАН [*а.* قانوناً – қонун бўйича, қонунга асосан; қонуний] Қонунга мувофиқ, қонуний равишда, қонун бўйича, қонун йўли билан. *Унинг ҳар бир раъйига Нормуҳаммад қушбеги қонунан мажбур бўлмаса-да, маънан бир мажбурият ҳис этар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОНУНБУЗАР Қонунга риоя қилмайдиган, унга хилоф ҳаракат қилган ёки қиладиган, қонунни бузувчи. *Бора-бора Петров мен деган қонунбузарга айланди-қолди.* И. Сулаймонов, Кўланкаси майдон.

ҚОНУНБУЗАРЛИК Муайян қонун-қоидаларга риоя қилмаслик, уларни тўғри ёки умуман бажармаслик. *Агар истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилса, сотувчи йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатини ихтиёрий равишда тузатишдан бош тортса, у қаерга мурожаат этиши керак?* Газетадан.

ҚОНУНИЙ [*а.* قانونى – қонун ва қонунчиликка оид; ҳуқуқий; ошкора] **1** Қонун билан белгиланган, қонунда кўрсатилган; қонун билан тасдиқланган. *Қонуний ҳуқуқ.* ▬ *Завод Ғиёсиддин тилмочнинг номига ўтган, оқсоқолнинг унда энди қонуний ҳаққи йўқ эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Шундай бўлиши шарт бўлган, талаб этиладиган. *Қаюмхон, гўё шундай бўлиши қонунийдек, сира тортинмай, тўрга чиқди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Ўз-ўзидан келиб чиқадиган, содир бўлиши муқаррар бўлган; табиий. *Қонуний савол. Қонуний эътироз.*

ҚОНУНИЙЛИК 1 Қонунга мослик. *Талабнинг қонунийлиги. Ҳодисаларнинг қонунийлиги.* ▬ *Қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва тенг ҳуқуқлилик сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принципларидир.* Газетадан.

2 *айн.* **қонуният 2**.

ҚОНУНИЯТ [*а.* قانونيّت – қонунийлик; масаланинг ҳуқуқий томони] **1** Объектив ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар ва уларнинг қонунлари. *Объектив қонуниятлар. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари.* ▬ *Зилзила ҳосил бўлишининг сейсмотектоник қонуниятларини билишда янги, аниқ маълумотлар олинди.* «Фан ва турмуш».

2 Иш, ҳодиса ва ш.к. нинг юз беришини қайд этувчи шарт-шароит, асос; қонунийлик. *Тил системасида юз берган ўзгаришларнинг қонунияти.*

ҚОНУНЛАШМОҚ 1 Қонун билан тасдиқланмоқ; қонун тусига, кучига кирмоқ. *Табиий танланиш, табиатдаги ҳамма нарсаларнинг бир-бирига боғлиқлиги миллионларча йиллар давомида такомиллашган, мослашган, қонунлашгандир.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Қонуний деб тан олинмоқ; легаллашмоқ. *Қонунлашган ташкилот.*

ҚОНУНЛАШТИРМОҚ Қонунлашмоқ фл. орт. н. *ЎзР Олий Мажлиси янги имло қоидаларини қонунлаштирди.*

ҚОНУНЛИ *кам қўлл.* **1** Муайян қонунлари бўлган ва уларга амал қиладиган. *Қонунли давлат.*

2 Қонунга асосланган; қонуний. *Қонунли иш.*

ҚОНУНСИЗ 1 *кам қўлл.* Муайян қонунлари бўлмаган, ҳар ким ўз бошига, ўз хоҳишига кўра иш қиладиган.

2 Қонунга тўғри келмайдиган, қонунга хилоф, ғайриқонуний. *Қонунсиз иш. Ўзгаларнинг ерларини қонунсиз босиб олиш.* ▬ *Албатта, Аҳмаджон ном чиқариш учун қонунсиз йўллар билан иш битиряпти, деганлар ҳам бўлди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ҚОНУНСИЗЛИК Қонунга риоя қилмай, унга хилоф равишда иш тутиш, ғайриқонуний хатти-ҳаракат; бошбошдоқлик, бедодлик. *Ўзбекистонга юборилган, «десантчилар» деб аталган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди.* Газетадан.

ҚОНУНЧИЛИК 1 Ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг қонунлар билан таъминланиши (таъминланган) ҳолати. *Қонунчиликни мустаҳкамлаш. Қонунчилик палатаси.* ▬ *Қонунчилигимиз туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ўтказиш.. каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштиради.* Газетадан.

2 Бирор мамлакатга ёки соҳага оид қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи. *Жиноятга оид қонунчилик. Меҳнатга оид қонунчилик.*

ҚОНУНШУНОС [*а.* + *ф.* قانونشناس – қонунни ўрганувчи, билувчи] Қонуншунослик, ҳуқуқшунослик мутахассиси; юрист. *Адвокатим қонунни сув қилиб ичиб юборган қонуншунос.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚОНУНШУНОСЛИК Қонунлар ҳақидаги ўқув предмети.

ҚОНХЎР 1 Ўлдириш, қон тўкиш ишлари билан шуғулланувчи. *Қонхўр жаллод.* ▬ *Қўшинларимиз қонхўр газандаларни тезроқ ҳайдаб чиқаришга.. ҳозирлик кўрар эдилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ўша қонхўрлар мени ўлдириб кетиша қолса бўлмас эканми?!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 *кўчма* Кишиларни шафқатсиз эзувчи, эксплуатация қилувчи, золим. *От, ўлдир! Бола бермаймиз қонхўр подшога.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОНХЎРЛИК Қонхўрга хос иш, хатти-ҳаракат; қонхўр эканлик. *Аслида.. на подшоҳни ва на амирзодаларни хуш кўрарди – баъзида уларни қонхўрликда айблаб, номларига носоз сўзлар айтиб юборарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ваҳший халқларда қонхўрликка тамойил зўр бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОН-ҚАРДОШ Бир ота-онадан туғилган, бир авлодга мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан); қариндош, қондош.

ҚОН-ҚАРДОШЛИК Қариндошлик, қондошлик; ўзаро яқинлик. *Сирбой халқларимизнинг улуғ дўстлиги, қон-қардошлиги бошланган кун билан тенгдош экан.* Миртемир, Куйла, жигарим.

ҚОН-ҚАРИНДОШ *айн.* **қон-қардош.**

ҚОП Сочилувчан нарсалар солиб қўйиладиган, мата, чипта ва ш.к. дан тикилган, халтадан катта, канордан кичик рўзғор буюми. *Каноп қоп. Чипта қоп. Қоғоз қоп. Қанор қоп. Бўш қоп тик турмас.* Мақол. ▬ *-Мен сизларга.. мана бу совғаларни олиб келувдим, – деди қопни кўрсатиб..* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *..қопнинг оғзини очиб, элакка ҳовучлаб ун солди, қопнинг оғзини яна бураб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бир қоп ёнғоқ *қ.* **ёнғоқ.**

ҚОПАҒОН Қопиб, тишлаб оладиган, қопонғич. *Қопағон ит.*

ҚОПИ *шв.* Эшик. *Ҳой ука, секинроқ гапир, қопининг орқасида одам бор.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚОПИНМОҚ *шв.* Куймоқ, ўртанмоқ, ёнмоқ. *Ич куйган сўнг юрак ўтдай қопинар.* «Равшан».

ҚОПЛАМ 1 Бирор нарсани сиртдан ўраб, қоплаб турган нарса. *Қор қоплами.* ▬ *Ҳайвонларнинг ранги деганда, жун қопламининг ранги тушунилади.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

2 Бир қоплашли, бир қоплашга етадиган. *Бир қоплам пахта. Тўйга яна олти қоплам пахта керак.*

ҚОПЛАМА 1 Бирор нарсанинг сиртига, бетига, устига қопланган, ўралган, сирилган ташқи қатлам ёки ғилоф. *Деворнинг мармар қопламаси. Мебель қопламаси. Йўлнинг асфальт қопламаси. Тиш қопламалари. Қоплама материаллар.* ▬ *Чумчуқ тумшуғи билан симнинг қопламасини кетма-кет чўқиб кўрди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 *айн.* **қоплам 1.**

Қоплама кўрпа Авра-астари устидан янги авра-астар кийдирилган, лекин қавилмаган кўрпа.

ҚОПЛАМОҚ I **1** Устини ёки ҳамма ёғини қамрамоқ, буркамоқ, босмоқ. *Кўк юзини булут қоплади. Хонани тутун қоплади. Бутун борлиқни қоронғилик қоплади.*

2 Сатҳини, юзасини, бетини эгалламоқ; банд қилмоқ. *Сув бетини муз қоплади. Қирларни ям-яшил майсалар қоплади. Далаларни қор қоплади.* ▬ *Устини қовжироқ ўтлар, сарғиш қамишлар қоплаган кўҳна қабрлараро кезди.* С. Сиёев, Аваз.

3 *кўчма* Қамраб, эгаллаб олмоқ (мавҳум нарсалар ҳақида). *Унинг бошини турли фикрлар, режалар қоплади.* Ойбек, Навоий. *Муроднинг қалбини хижолат аралаш севинч қоплади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Эъзозхоннинг кўнглини аллақандай шубҳалар, совуқ ваҳималар*

қоплаб, ўзини беҳол сезди. Ҳ. Ғулом, Машъал. *Қиз бутун вужудини тўсатдан қоплаган оғриқ билан онасини хотирлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бирор нарса сиртини, бетини, устини бошқа нарса билан ўрамоқ, сиртига, бетига, устига бошқа нарса сирмоқ, ёпиштирмоқ, тўшамоқ, ётқизмоқ. *Деворга мармар плиталар қопладик. Диванга духоба қопламоқ. Йўлни асфальт билан қопламоқ.*

Кўрпа қопламоқ 1) кўрпа тикмоқ, кўрпа тайёрламоқ. *Тўй учун янги кўрпалар қопламоқчи бўладилар, партўшаклар олмоқчи бўладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўрпанинг авра-астари орасига пахта солмоқ. *Унсин хола қизининг уч янги кўрпасини қоплаб, қавиқдан чиқарди.* А. Ҳайитметов, Унсин хола.

5 Тўсмоқ, беркитмоқ; эгалламоқ. *Қўли билан оғзи-бурнини қопламоқ.* ▬ *Сафаров супадаги кигизни тортиб, аланганинг устини қоплади-да, югуриб, ташқарига чиқди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Эшик очилиб, барзангидай йигит чиқди, гавдаси билан эшикни қоплади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мўйсафид домла бутун деворни қоплаган катта доскага темаларни ёзишга киришди.* О. Ёқубов, Муқаддас.

6 Талаб, эҳтиёжга етарли бўлмоқ. *Уларнинг топган пуллари рўзғор эҳтиёжини зўрға қопларди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Яшиннинг даромади эҳтиёжимизни қопламасди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

7 *кўчма* Йўқотилган ёки етишмайдиган нарса ўрнига ўрин бўлмоқ, ўрнини тўлдирмоқ, босмоқ. *Зарарни қопламоқ. Қарзни қопламоқ.* ▬ *Деҳқоннинг минг машаққат билан экиб олган ҳосили харажатни қоплай олмасди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Шунинг учун бутун чиқимини қоплайдиган давлат тўпламаса бўлмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Юзига (*ёки* **бетига) чарм қопламоқ** *қ.* **чарм.**

ҚОПЛАМОҚ II Қопга солмоқ, қопга жойламоқ. *Буғдой қопламоқ.* ▬ *Бу кишилар сабзи ковлаб, қопламоқда эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚОПЛАНМОҚ I **Қопламоқ** I фл. мажҳ. н. *Хона тутун билан қопланди. Осмон булут билан қопланди. Харажат тез қопланди. Ажин билан қопланган пешона.* ▬ *Самоварчи тоғорага қайноқ сув қуйиб, жўмрагига жез қопланган чойнакларни.. юваётган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бутун борлиғи руҳий азоб билан қопланган Саодатхон бўйнини эггани ҳолда.. уйга кириб кетди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

ҚОПЛАНМОҚ II **Қопламоқ** II фл. мажҳ. н. *Ғалла ҳосили ўриб-йиғиб олинди ва қопланди. Қопланган ун.*

ҚОПЛОВЧИ I **1 Қопламоқ** I фл. сфдш. *Бутун хонани қопловчи палакни аёллар бошлари узра баланд кўтардилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қоплаш, сириш каби ишлар билан шуғулланувчи ишчи, мутахассис. *Мебель қопловчилар. Кўрпа қопловчи аёл.*

ҚОПЛОВЧИ II Қопларга юк жойлаш билан шуғулланувчи киши. *Пахта қопловчилар. Ўғит қопловчи ишчи.*

ҚОПЛОН 1 Мушуксимонлар оиласига мансуб, мўйнаси қалин сарғиш тусли, қора ҳалқа доғлари (холлари) бор йирик сутэмизувчи йиртқич ҳайвон.

2 *кўчма* Жасур, мард одам ҳақида. *Попоқ кийган қаҳрамон, Гавдали қоплон. Темир панжанг билан тўк Душманингдан қон!* Ҳамза.

ҚОПМОҚ 1 Тишлаб олмоқ, тишламоқ (ит, туя ҳақида). *Итни қопмас деб бўлмас.* Мақол. *Ит қутурса, эгасини қопади.* Мақол. ▬ *-Э, юраверинг, қопмайди! — деди орқада келаётган Тожибой.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *шв.* Тишламоқ. *Не бедовлар жазосини топади, Бир нечаси ағнаб, қумни қопади.* «Алпомиш».

3 *кўчма* Жеркиб, уришиб гапирмоқ, дағал гап қилиб, дилни оғритмоқ. *Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб (гапирар).* Мақол. ▬ *-Давлатбахт қани? Нега у келмади? — қопиб гапирди Оллоёр.* Ойбек, Навоий.

ҚОПОНҒИЧ *айн.* **қопағон**. *Қопонғич ит.*

ҚОПТИРМОҚ Қопмоқ фл. орт. н.

Итга қоптирмай, туяга тептирмай Меҳрибонлик билан, аяб-авайлаб, ардоқлаб каби маъноларда ишлатиладиган ибора.

ҚОПУ *шв.* Эшик, эшик табақаси. *Ит дарвоза қопусини тишлаб кемира бошлади.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҚОПЧА *айн.* **қопчиқ**.

ҚОПЧИҚ 1 Кичкина қоп, халта, халтача. *Нормат қопчиғини очиб, бугунги норма нони, шакарини ўртага қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сувонжон эртасига ваъдалашган*

вақтда етиб келди. Унинг орқасида қопчиқ, қўлида пўстин, елкасида милтиқ бор эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Пул соладиган халтача, ҳамён.

3 *анат.* Пуфак, пуфакча. *Кўз ёши қопчиғи.*

ҚОПҚА *эск.* Дарвоза. *Шаҳар қопқаси.* ▬ *Ўзингни камситма, Тошкентнинг ўн икки қопқасига борилса, кимнинг ери — Қурбонҳожининг ери-ку!* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўкнинг қопқаси қоққан соатда, Қуёш кўз уқалаб уйғонар эди.* Ғ. Ғулом.

ҚОПҚОН 1 Ов қилинадиган ёки зарарли ҳайвонларни овлаш, илинтириш, тутиш учун қўйиладиган мослама, қурилма. *У ичига катта оқ каламуш қамалган қопқонни ерга қўйди, эшикчасини очди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Сувонжон*] *Етиб келганда, нақ тумшуғидан илинган тулки қопқон билан олишаётган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Дом, тузоқ. *Бектемир уларга қарамасдан, секин деди: -Қопқонга тушибмиз — бу қалай?* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳаммасини айтиб бергандан кейин, Темир қопқондан қутулиб бўпти.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси.

ҚОП-ҚОП Бир қанча қоп, жуда кўп қоп; нарсанинг ҳаддан ташқари кўплигини, мўллигини билдиради. *Гап десанг, қоп-қоп, иш десанг, Самарқанддан топ.* ▬ *Қоп-қоп олтин, кумуш тўкиб олса арзийдиган қизсан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ерга қоп-қоп арпа, буғдой ва араваларда беда келиб турарди.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

ҚОП-ҚОРОНҒИ Қоронғи с. куч. *У [мингбоши] авахта эшигига келиб, тирқишидан қаради. У ер қоп-қоронғи эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қоп-қоронғи узун йўлакдан ўтиб, ташқари ҳовлига чиқилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОПҚОҚ Идиш, сандиқ, яшик ва ш.к. нарсалар оғзининг очилиб-ёпилиб турадиган, бекитувчи қисми; ёпқич. *Чойнакнинг қопқоғи. Қозоннинг қопқоғи. Соатнинг қопқоғи. Сандиқнинг қопқоғи. Чўнтакнинг қопқоғи.* ▬ *Олимов қуён тушган яшикнинг қопқоғини маҳкамлаб, Аҳмадга узатди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚОПҚОҚЛАМОҚ Қопқоқ билан бекитмоқ, қопқоғини ёпмоқ, маҳкамламоқ. *Консерва банкаларини қопқоқламоқ. Яшикни қопқоқламоқ. Қудуқни қопқоқламоқ. Қопқоқлаш автомати.* ▬ *[Ҳамробиби] Дастурхон ёзди, бақирлаб қайнаётган самоварни келтириб, қопқоқлаб қўйди.* Р. Файзий, Эл меҳри.

ҚОПҚОҚЛИ 1 Қопқоғи бўлган, қопқоғи бор. *Қопқоқли чойнак.* ▬ *Унинг.. устида чўнтаклари қопқоқли, қайтарма ёқали узун оқ жужун камзул.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қопқоқ билан бекитилган, қопқоғи маҳкамланган, қопқоқланган. *Олимов.. бояги қопдан оғзи қопқоқли, бир ёғига сим тўр қопланган иккита яшикни чиқариб олиб келди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚОР Сув зарраларининг совуқдан бирикиши натижасида юзага келадиган оқ кристаллчалар шаклидаги ёғин; шундай ёғин қатлами, тўплами. *Биринчи қор. Майда қор. Лайлак қор. Пağa-паға қор ёғмоқда. Қор курамоқ. Қорда чана учмоқ. Қолган ишга қор ёғар.* Мақол. ▬ *Кўча ва томлар қордан оқара бошлаган.* Ойбек, Танланган асарлар. *У қорда йиқилиб ётар.. нарироқда, қор орасида шапкаси қорайиб кўринар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Қовоғидан қор ёғади *қ.* **қовоқ** II.

ҚОРА 1 Ранг-туси мавжуд рангларнинг барчасидан тўқ; қозонкуя, кўмир тусидаги; *зид.* **оқ**. *Қора қозон. Қора соч. Қора кўз. Қора сиёҳ.* ▬ *Мўттихон.. буғдойранг, қора қош аёл эди.* С. Зуннунова, Олов. *Чайла қамишлари аллақачон ёниб битиб, ёғочларигина қора кўмир бўлиб, чарс-чарс қилиб тутаб ётарди.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Шу тусга мойил тўқ рангли; қорамтир. *Қора нон. Қора гилос. Қора тупроқ. Қора булут.* ▬ *Нимқоронғида рухсоридаги нўхатдек қора холини аниқ кўрди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қорани қора деманглар, Қоранинг ори келади. Қора майиз еганда, Қанддай ширин келади.* «Қўшиқлар». *Мулла Обид бўлса, афтига қора балчиқ сачратиб, ўзининг машҳур кетмони билан иш кўради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Ис, қурум босган, қорайган ёки оқланмаган, пардозланмаган. *Қора уй.* ▬ *Долоннинг ўнг тарафидаги кичик қора ҳужрада Полвоннинг ота-онаси ва боболари умр кечирган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 Қоронғи; нурсиз, зиёсиз; *зид.* **ёруғ.** *Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиднинг ҳаёт ва мамот масалаларини ўзининг қора қучоғига олган қоронғи бир тун эди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Демак, юзимнинг бир томони*

кундек ёруғ-у, бир томони тундек қора экан. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Уч қадрдон, уч опа-сингил Зулмат қучган қора ўрмонда.* Х. Даврон, Қақнус.

5 Шахмат, шашка каби ўйинларда оққа зид доналар ва шу доналар билан ўйновчи томон. *Қора билан ўйнамоқ. Қоралар ютди.*

6 *от* Қора ёки қорага мойил нарса (кийим, мато ва ш.к.). *Байроқларга қора тутмоқ (тақмоқ), Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар..* Мақол. ▬ *Кенг қишлоқни партизаннинг Мотами қоплаб олди: Қора тақди ҳар билак.* А. Умарий.

7 *от* Бирор нарсанинг узоқдан ёки қоронғидан кўзга ташланувчи акси, ифодаси; шарпа. *Оппоқ қорда одамларнинг қораси елиб-югурарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Машина ёруғидан ҳам талвасага тушиб, олдинда чопиб бораётган жайран қорасига кўзи тушиб, юраги ҳаприқиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби. *Кўп ўтмай ҳаво бурчида азамат ҳаво лайнерининг қораси кўринди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

8 *от* Мўлжалга олинган ёки олинадиган нарса, нишон; мўлжал. *Қорага олмоқ.* ▬ *Биринчи отган ёй қорадан бир қулоч юқори кетди.* «Латифалар». *Мерган бўлсанг, ўшал оғочни қорага олиб отғил.* М. Осим, Ўтрор.

9 *кўчма* Умуман, салбий белгини, салбий белгига эгаликни билдиради; ёмон. *Қора ният. Қора кучлар.* ▬ *Кечирасиз, мен ширингина базмингизни қора хабар билан музлатиб қўйдим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Паранжи қурсин, мени шундай қора кунларга солди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Калладан қора хаёлларни қувиш керак, тушкунлик — энг ёмон душман.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Шу гап билан бошқалар Қолди ер чизиб. Қора, шум тилаклари Ҳар ённи кезиб.* Ғайратий.

10 *от кўчма* Нотўғри, ёмон, ярамас нарса, иш. *Ароқнинг ўзи оқ, қилмиши — қора.* «Қанотли сўзлар». *Гулнор энди тап тортмади. Соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Акангизга қора юқтирмаслик учун Ўктамни ҳам оқлаяпсизми энди?* С. Зуннунова, Кўзлар.

11 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, улар англатган нарсага хос белги-ҳолатнинг кучли даражасини билдиради. *Қора совуқ. Қора қон йиғлатмоқ.* ▬ *Қора қишда тўй қилмай, Баттар бўлгур нокас гов..* А. Орипов, Йиллар армони. *Нима қилади ўзини қора қийноққа солиб?!* А. Мухтор, Туғилиш. *Шундан кейин.. терлаб-пишиб, қора терга тушиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

12 *кўчма эск.* Маълум миқдордаги яхлит сумма. *Бир қора чўзсак, кифоя деб ўйлайман, озми, минг сўлкавой.* Ойбек, Улуғ йўл.

Ичи (*ёки* **дили, кўнгли, юраги) қора** Ўзганинг муваффақиятини кўролмайдиган; яхшилик, муваффақият тиламайдиган. *Дили қоранинг қилмиши — қийиқлик.* Мақол. ▬ *Э-э-э, бу ҳам бойлар сингари ўз нафсини ўйлайдиган, ичи қора одам экан-да!* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Юзи** (*ёки* **бети) қора** *қ.* **юз** I. **Қора ер бўлмоқ** *салб.* Ўлмоқ, ерга кирмоқ. *Кимсаной у ёқда, куёв бўлмай қора ер бўлгур на ўлигини кўрсатади, на тиригини.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қора киймоқ** Аза, мотам либосини киймоқ (қора, кўк каби қора ва қорага мойил кийим ҳақида). *Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб, юртга ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб, таъзия очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қора курси** (*ёки* **стул)** *қ.* **курси.** *Қора курсига ўтираётган жиноятчига ўхшаб қолганидан, юзлари ловуллаб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унда [суратда] қора стулда ҳукм қилинган гуноҳкорлар ўтирарди.* Газетадан. **Қора меҳнат** (*ёки* **иш)** Маҳорат, малака талаб этмайдиган, оддий, ҳатто маълум даражада ифлослиги бўлган меҳнат, иш. *Манглайимизга битилгани шу қора меҳнат экан, нетамиз.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..ўқув ҳақи жамғариш учун ҳар қандай оғир, қора меҳнатдан ҳазар қилмадим.* Ойбек, Нур қидириб. -*Тортинма, Комилжон, — деди у жиддий, — қора ишга ҳам тайёрман.* И. Раҳим, Ихлос. **Қора тортмоқ** 1) ёрдам, ҳимоя умидида бўлмоқ; ўзиники (яқин) билмоқ; орқа қилмоқ. *Мен сизни қора тортиб келдим, Ўрмонжон ака. Сиздан бошқа ҳеч кимга гапира олмайман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кейин бобомизни қора тортиб, бу ерга келдик, хотинлиям бўлдик.* «Ёшлик»; 2) бир объектни мўлжал қилиб олмоқ, иш-ҳаракатнинг боиси деб билмоқ. *Ғайрати ичига сиғмаган жон борки, бари қишлоқ биқинидаги тепаликни қора тортган.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. **Қора халқ** (*ёки* **одам**) Маданият, маърифат, билим кабиларга эга эмас; оми, тушунмаган. *Қора халқда тобелик, икром, андиша қолурми..*

С. Сиёев, Аваз. *Қора халқ уни қарсаклар билан олқишлади.* К. Яшин, Ҳамза. *Оғайни, мен қора одамман. Заргар Ёдгорбек бошимни айлантирган экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Қора чақам йўқ** *айн.* **сариқ чақам йўқ** *қ.* **чақа** I. *Аммо ёнида қора чақаси йўқ одамга бу [саккиз юз сўм] — жаҳаннамнинг қилкўпригидай мудҳиш нарса.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қора қилмоқ** 1) *айн.* **қора тортмоқ**. *Қариндошларини қора қилиб, бу ерларга келиб қолган;* 2) *айн.* **қораламоқ 4.** *Улар от изини қора қилиб, бўри учраган тепаликка боришди..* С. Нуров, Нарвон. *Улар эрталаб ўтган қўй сурувларининг изини қора қилиб.. тепаликлар оша юришди.* А. Ҳасанов, Чироқлар. **Қораси ўчмоқ** Кўринмай кетмоқ, йўқ бўлмоқ. *Поезднинг қораси ўчгунча мўлтираб қараб турдим, кейин йиғлаб-йиғлаб, изимга қайтдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қорасини кўрсатмоқ** Кўриниш бермоқ. *Полвон болам-ку, қорасини кўрсатмай, сувга тушгандек ғойиб бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Қорасини олмоқ** Қорасини илғамоқ, кўрмоқ. *Куннинг ўзи пешин вақти бўлганда, Пойгачилар қорасини олади.* «Алпомиш».

13 Қора (эркаклар исми).

ҚОРААНДИЗ Мураккабгуллилар оиласига мансуб, тоғ-адирларда ўсадиган, кўп йиллик ўтсимон доривор ўсимлик.

ҚОРААРЧА Сарвлар оиласига мансуб игнабаргли дарахт ёки бута, арчанинг бир тури.

ҚОРАБАЙИР Отнинг Ўзбекистонда етиштирилган, салт миниладиган ёки аравага қўшиладигаи, танаси қисқароқ, бели текис ва кенг бўлган зоти. *Атайин Самарқанддан иккита қорабайир олдириб келганлар.* С. Аҳмад, Уфқ. *Унинг учинчи бойлиги — қорабайир оти эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ҚОРАБАЛИҚ Чучук сувларда яшайдиган, қорни тирқишли балиқ.

ҚОРАБАРАК Кўпинча шўрхок ерларда ўсадиган, кузда ва қишда туя ейдиган бута ўсимлик.

ҚОРАБОВУР Чўл ва даштларда яшайдиган, кўкраги қора тусли, каптарсимон ов қуши, булдуриқ.

ҚОРАБОШ Қорамтир тўпгулли, йўғон пояли қиёқ.

ҚОРАБУЗОВ Куракоёқли қушлар туркумига мансуб йирик сув қуши.

ҚОРАБУРА Тўғон, дамба, соҳилбўйи тўсиқларга, сув урган ерларга босиш учун ичига тош солиб, сим билан боғлаб тайёрланган шох-шабба боғлари.

ҚОРАБУҒДОЙ Буғдойнинг дони майда, паст нави.

ҚОРАВОЙ 1 Куракоёқли қушлар туркумига мансуб балиқхўр, сувда яшовчи қуш тури.

2 Қоравой (эркаклар исми).

ҚОРАГУЛ 1 Қора гулхайри.

2 Шу ўсимлик гулидан тайёрланган бўёқ. *Шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр маҳсиларни [Шокир ота] силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнг корагул суркаб, уларга пардоз беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОРАДОРИ Кўкнорининг думбул бошоғи ширасидан қуритиб тайёрланадиган, қаттиқ маст қиладиган гиёҳванд модда; тарёк, афюн. *Ҳожихон қорадори есалар, бирга еди. Ҳеч нарсадан ҳазар қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қорадорига ружу қўйиб, уни суиистеъмол қиладиган гиёҳванд 6—7 кун уни истеъмол қилмай қолса, тирик мурдадек тиришиб қолади ва, ниҳоят, ҳалок бўлади.* Газетадан. *Анави қорадорингдан мошдек бериб кет-да, бир ҳаз этай.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚОРАЖАНЖАЛ Халқ селекциясида чиқарилган, ўрта кечпишар маҳаллий хўраки ва майизбоп узум нави.

ҚОРАЖИГАР 1 *анат. қ.* **талоқ.**

2 Гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг шу аъзоси (масаллиқ, овқат сифатида). *Ҳасипга қоражигар солмоқ.*

ҚОРАЙИШ Одам терисининг қуёш нури ёки сунъий манбалар таъсирида қорамтир тус олиши; баданнинг тобланиши.

ҚОРАЙМОҚ 1 Қора тусга кирмоқ; қора ранг олмоқ (*қ.* **қора 1**). *Оқ кишмиш, қора кишмиш, Кишмиш қорайиб пишмиш.* «Қўшиқлар». *Тутаб ётган тутундан ғорга кираверишдаги тошлар қорайиб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шох-шаббалари учган, ёнғиндан қорайган ўрмонлар туман орасида ваҳим бир сукут сақларди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Қорага мойил, тўқ ранг олмоқ (*қ.* **қора 2**). *Йўлчи қуёш ва дала шамоли билан бир оз қорайган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Холматжон сувсизликдан қорайиб кетган бир*

туп ниҳолни суғуриб олмоқчи эди, илдизи билан чиқмай, бўғзидан узилди. С. Аҳмад, Уфқ.

3 Ифлослантирадиган нарсалар қоплаб, ўз тиниқлиги, тоза рангини йўқотмоқ; хира, кир тусга кирмоқ. *Жўравой аввалига пинагини бузмайди, қорайиб кетган дўпписини бошидан олиб, кафтига бир уради-да, қайта кияди.* Газетадан. *Овқат пишди. Қозоннинг ранги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади.* А. Қаҳҳор, Анор. *Яхшиямки осмон бор — ердан кўтарилган қанча-қанча ғуборларни ютгани билан қорайиб кетмайди.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн.

4 Қоронғилик билан қопланмоқ; қоронғилашмоқ. *Қуёш бота бошлар.. гавжум қирларга Қорая-қорая тўшалар оқшом.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Эртаси атроф қораяркан, Жондор вагончини ўз пинжига олиб, «суҳбат»га жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Бошқа нарсалардан ажралиб ёки ғира-шира кўринмоқ, шарпаси кўринмоқ. *Чодир ёнида соядек қорайиб турган киши олдида тўхтаб, энгашиб, унинг бетига қаради.* С. Аҳмад, Уфқ. *..икки томондаги тоғ чўққилари осмон сатҳида элас-элас қорайиб кўринар эди.* О. Ёқубов, Излайман.

ҚОРАЙТИРМОҚ Қораймоқ фл. орт. н. *Қошни қорайтирмоқ. Офтобда баданни қорайтирмоқ. Ойналари қорайтирилган машина.* ▬ *Бегона эркакнинг қўли оқ сочни қорайтирар эмиш. Тавба қилдим.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ҚОРАКАЛТАК *с.т.* Тўғри келган нарса билан қуролланиб уриш, уришиш; оломон. *Ҳирот томонидан ҳукумат қўшини ё қоракалтак оломони* келиб *қолса.. ишга халал етиши мумкин эди.* С. Айний, Қуллар.

ҚОРАКАШ 1 Олдинга ундалса, орқага тисарилаверадиган, юрмайдиган; асов (от ҳақида).

2 *кўчма с. т.* Ўжар, қайсар. *Сим қоқилган жойга ҳозирман.. ўжар, қоракаш хотинлар бўлса ҳам, бир минутда ўзимга ром қилиб.. сездирмай ишлайман.* «Муштум».

ҚОРАКЕСАК Гўштнинг ёғсиз юмшоқ жойи.

ҚОРАКОСОВ 1 *айн.* **қоракуя 2.**

2 *кўчма* Қорайиб кетган; қоп-қора (қўл ҳақида). *Офтобдан ва чўл шамолидан қорайган қотма, ҳорғин юзи, ўкрайган кўзлари, қоракосов қўллари оғзидан чиққан сўзларни тасдиқлаб турарди.* М. Осим, Элчилар.

ҚОРАКУЯ I Ёқилғининг ёнишидан ҳосил бўладиган ва қозон остига, тутун йўлларига ўтириб қоладиган куя; қурум. *Трубаларни қоракуядан тозаламоқ.* ▬ *Унинг чаккаси тилиниб ёрилган, қон сизиб оқиб тушарди. Ўзи бўлса, устма-уст қоракуя босарди.* М. Мансуров, Ёмби.

Юзига қоракуя суртмоқ Бадном қилмоқ, юзи қора қилмоқ. *Жуманни суд ҳам қилармиз, юзига қоракуя ҳам суртармиз, бир умрга майиб ҳам қилармиз, майли.. лекин қурилишга бундан нима фойда?* А. Мухтор, Туғилиш.

ҚОРАКУЯ II Замбуруғлар қўзғатадиган, илдиз бўғзи ва поя асоси қорайиши билан кечадиган ўсимликлар касаллиги: ғалла экинларининг донига тушадиган ва уни зарарлантирадиган ун. *Аччиқ бегона ўтлар ва қоракуя касаллиги тарқалган майдонлардан дон экинларини ажратиб ўриш зарур.* Газетадан.

ҚОРАКЎЗА Суғориладиган ерларда ўсадиган, бир йиллик сербарг ёввойи (бегона) ўт. *Қоракўзага қарши курашишда карбин дориси жуда яхши натижа беради.* Газетадан.

ҚОРАКЎЛ 1 Асосан, Ўзбекистоннинг Қоракул туманида етиштирилган, ҳозирги вақтда иқлим шароитлари ўхшаш бошқа ҳудудларда ҳам тарқалган, қўзисидан жингалак юнгли мўйна олинадиган зотли қўй нави. *Қара.. қандай дилбар манзара: кунгай қияликлар, қоракўл қўйлари.. юз дардга даво мусаффо ҳаво..* К. Яшин, Ҳамза.

2 Шундай қўй қўзисининг юқори навли жингалак териси, мўйнаси. *Қоракўл тайёрлаш. Қоракўл тери. Қоракўл қулоқчин. Қоракўл ёқа..* ▬ *Пахта, ипак, қоракўл — Бойликларинг мунча мўл.* Ё. Мирзо.

ҚОРАКЎЛЧИ Қоракўл қўйларини боқиш ва қоракўл териси етиштириш билан шуғулланувчи чорвадор. *Жуда соз-да, мен қоракўлчилар кенгашига келганман.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚОРАКЎЛЧИЛИК Чорвачиликнинг қоракўл қўйларини боқиш, кўпайтириш ва қоракўл тери етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *У шунча йил қоракўлчилик соҳасида ишлаб, бундақа териларни деярли кўрмаган эди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ҚОРАЛАМА Хомаки тарздаги, ишлов бериб якунланмаган матн. *Саҳар туриб, у йўл тадоригини кўрди. Қоралама шеърларини олди..* С. Сиёев, Аваз. *Қораламалар чоп этилиши жараёнида бу саҳифалар силлиқланди.* Газетадан.

ҚОРАЛАМОҚ 1 Қора тус бермоқ, қора тусга киритмоқ, қора ранг билан бўямоқ, қора қилмоқ. *Матони қораламоқ. Ойнани қоралаб, қуёш тутилишини кузатмоқ.* ▬ *Мотоцикл ерга ағанаганча, бензини тўкилиб, қор юзини қоралади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Қаламни қораламоқ *эск.* Саваған қаламни сиёҳга ботирмоқ, унга сиёҳ олмоқ. *Анвар ҳам мулойимгина кулумсираб олгач.. яна қаламини қоралаб, қоғоз устига бир-икки калима ёзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қоғозни қораламоқ** Қоғозга ёзмоқ, қоғозга ёзувлар туширмоқ. *Хат ёзмадинг, дея койима мени, Қоғоз қоралашга тегмайди қўлим.* Уйғун. *Ундан анча кичик укаси ҳам, унга тақлид қилиб, қоғоз қораларди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Қоралама матнни, нусхасини тайёрламоқ, қоғозга туширмоқ. *Бурноғи йили бир роман қораловдим, ука. Қоралама чанг босиб ётувди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Ишнинг бошида, расмларнинг чизгиларини қоралаб, ора-сира чалғиш учун шамдонларни дўқиллатиб ясаб юрган кезларида устахонасига Абдумалик кириб келди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Айблаб, ёмонлаб гапирмоқ ёки ёзмоқ. *Бу билан мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб, ўзимни оқламоқчи эмасман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аҳмедов ўз сўзида янги директорнинг ўқитувчиларни «ёмон» ва «яхши»га ажратиб олганлигини қоралади.* С. Зуннунова, Олов.

4 Кўздан қочирмай, қорасига қараб, қорасини олиб юрмоқ, қорама-қора бормоқ. [*Зикир*] *Аёлга узоқдан салом ишорасини билдиргач, толлар орқасидан юриб, уни қоралаб келаверди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Эргаш ака изни қоралаб, уч-тўрт қадам босдилар-у, тўхтаб қолдилар.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

5 Сон-миқдор билдирувчи сўз билан қўлланиб, шу сўз англатган ёшга яқинлашишни билдиради. *Саксонни қоралаган чол.* ▬ *Низомов олтмишни қоралаган бақалоқ киши эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ҚОРАЛИК Қора эканлик, «қора» сўзининг маъноларига алоқадор мавҳум от. *Бахти қоралик. Ичи қоралик.* ▬ *[Кумушнинг] Камон қошлари ортиқ мавж уриб ўзини кўрсатган, бир оз бота турган шаҳло кўзлари тағин ҳам тим қоралик, тағин ҳам нурлилик касб этган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОРАЛОВЧИ 1 Қораламоқ фл. сфдш. *Аҳмад Ҳусайн.. муҳаррир билан учрашувнинг оқибатини.. қораловчи ифодаларда баён қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *ҳуқ.* Суд олдида судланувчининг айбдор эканлигини қувватловчи; айбловчи. *Давлат қораловчиси. Жамоат қораловчиси.* ▬ *Қораловчи гапириб, оқловчи гапириб.. Олиянинг ўзи охирги сўздан воз кечиб, суд ҳайъати.. қамоқ муддатини эълон қилди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ҚОРАМАЛДОҚ Бошмалдоқ билан ўрта бармоқ ўртасидаги иккинчи бармоқ; кўрсаткич бармоқ. *Одатда навқирон ишчилар ўнг қўлнинг қорамалдоғи ва ўрта бармоғидан маҳрум бўлиб туришади.* Газетадан.

ҚОРАМАШОҚ 1 Бир турли ўтсимон ўсимлик. *Қўйлар қорамашоқ, қўнғирбош.. ўтларини севиб ейди.* Газетадан.

2 *шв. айн.* **қарға 2.**

ҚОРАМА-ҚОРА Кўздан қочирмай, қораси билан кетма-кет. *Бошқалар эса қорама-қора бориб, кўча оғзида тўхтаб қолишди.* С. Зуннунова, Олов. *Азизхон икки қўлини орқасига қилиб, шошилмай борар экан, нотаниш йўловчи унга эргашиб, қорама-қора келарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚОРАМАҒИЗ Қорачадан келган; қоратўр(и), қорача. *Қорамағиз йигит.* ▬ *Ҳали узоқ бўлса ҳам, унинг офтобда пишган қорамағиз юзини кўриб турибман.* Ш. Отамуродов, Кўнгил. *Бўйнига катта бир илонни чирмаштириб олган.. қорамағиз йигит растага кириб келди.* Мирмуҳсин, Она.

ҚОРАМИҚ Қир-адирларда, ғаллазорларда ўсадиган, дони заҳарли бир йиллик бегона ўт. *Қорамиқ донаси бўлгунча, буғдойнинг сомони бўл.* Мақол. ▬ *Буғдойзорлардаги ҳосилни ўришдан олдин бегона ўтларни, айниқса.. қорамиқ каби заҳарли ўтларни албатта ўриб олиш керак.* Газетадан.

ҚОРАМОЙ Нефтдан бензин, керосин ва газолин ажратиб олингандан кейин қол-

ган қуюқ қора суюқлик; мазут. *Низомжон каттакон печда қорамой аралаштирилган кўмир кукунининг ловуллаб ёнишига қараб, жимгина ўтирарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚОРАМОЛ Шохли, йирик чорва ҳайвони (ҳўкиз, буқа, сигир). *Чорва учун очилган бу йўлдан қўю қўзилар, эчкилар, қорамоллар ўтади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Йил бошида гўшт планини бажариш учун бозордан йигирмата қорамол сотиб олинди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ҚОРАМОЛЧИЛИК Чорвачиликнинг қорамол боқиш, уларни кўпайтириш ҳамда улардан гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш, саноатга тери ва б. хомашё етказиб бериш билан шуғулланадиган соҳаси. *Қорамолчилик фермаси.*

ҚОРАМТИР Қорага мойил, оч қора, сал қора. *Қорамтир булут. Қорамтир тутун.* ▬ *Чуқур жар тубида қорамтир анҳор пишқириб, бўғиқ садо таратиб оқаётибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ариқчалар бўйида ўткир ҳидли, қорамтир ялпизлар, сершох жамбиллар ўсган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳиндуларнинг туслари қорамтир, кўз-қошлари қоп-қора бўлади.* С. Айний, Қуллар. *Абдишукур манглайи тиришган, кўзойнакли, этсиз қорамтир юзи ичига ботган.. ориққина киши.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОРАМУҒ *қ.* **қорамиқ.** *Қорамуғнинг донасидай Кўзидан айланай шуни.* «Бойчечак».

ҚОРАПАТАК Қўй-эчкиларнинг тунаши учун гўнг қатламидан иборат тўшама.

ҚОРАПЎЧОҚ Ўзбекистонда яратилган, туси тўқ яшил, эти оқ, юмшоқ, ширин кечпишар қовун нави.

ҚОРАСОВУҚ Ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати мусбат бўлгани ҳолда, ўсимлик қоплами ва тупроқ усти қатламининг 0° ва ундан ҳам пасайиши (бу ҳодиса юз берганда, барглар совуқ таъсирида қораяди).

ҚОРАСОН 1 *айн.* **гангрена**. *Яна хат келди.. «чап оёғим қорасон бўлибди».* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Чорва моллари ва ипак қуртларига қирғин келтирадиган юқумли касаллик.

ҚОРАСУВОҚ Дастлабки, пардозсиз сувоқ. *Деразаларнинг кўпи қорасувоқда, аксар деразаларга энди ойна солинаётир.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚОРАСУЛИ *айн.* **қоракўза.**

ҚОРАТОЛ Тол дарахтининг новдаси жигарранг-қизғиш, чайир бўладиган нави. *Қоратоллар хомуш бош эгиб турган қорамтир ҳовуз сатҳида бир тўп хазон қалқиб юрибди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҚОРАТОМОҚ *шв. айн.* **жиблажибон 1.**

ҚОРАТЎР(И) Қорачадан келган; қорамағиз, қорача. *Қизлардан қоратўргина келгани ўрнидан туриб, орқа этагини қоққан бўлди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Бошини рўмол билан танғиган, тахта зинадан тушиб келаётган қоратўри қиз Моҳидилдан кўз узмасди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ҚОРАЧА 1 Қорага мойил; қоратўр(и), қорамағиз. *Ўзи қорача бўлгани учунми, бу хол тезда кўзга ташлана қолмасди.* С. Зуннунова, Олов. *..сепкилли, қорача юзи салпал пардозланган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 *тар.* Ўрта асрларда аҳолининг зодагон бўлмаган табақаси.

3 *этн.* Айрим туркий халқларда уруғ номи (мас., ўзбекларнинг қатағон, лақай, қирқ, сарой қабилалари таркибида қорача уруғи бўлган).

4 *шв.* Қора, авом халққа мансуб киши. *У шу ёшга келиб, наинки худога, ҳатто буни — қорача, севгилисини — хўжа деб, бирбирларининг қовушишларига.. йўл бермай келган урф-одатларга ҳам тил тегизмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚОРАЧАКАК Атиргуллилар оиласига мансуб, ёввойи ҳолда ўсадиган бута ўсимлиги. *Қорачакак ёввойи ҳолда ўсади.. Бойсун тоғида кўп учрайди.* Газетадан.

ҚОРАЧИРИК *тар.* **1** Кўнгиллилардан ташкил топган, дуч келган нарса билан қуролланган номунтазам қўшин.

2 Шундай қўшин сафидаги жангчи.

ҚОРАЧИРОҚ Ичига мазут ёки зиғир ёғи солиб ёқиладиган, пиликли, чўяндан қуйилган чироқ; лампа. *Қорачироқнинг пилиги тугаб қолди шекилли, у ҳам ўчиб қолди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ҚОРАЧИҚ Кўз рангдор пардасининг марказидаги қора рангли тешик (ундан кўзга ёруғлик нури ўтади; ёруғда торайиб, қоронғида кенгаяди). *..унинг ўлганига ишонмай, қовоғини кўтариб, қорачиғига қаради.* В. Ғофуров, Вафодор. *Давроннинг қовоғига ўқ парчаси тегиб шилиб кетган, кўз қорачиғини ҳам зарарлаган эди.* Т. Рустамов, Мангу жа-

сорат. *Узоқларга боқар сузук кўзингиз, Нуқтадай тор қорачиқдан оқар нур.* Ғ. Ғулом.

ҚОРАЧОЙЛАР Россия Федерациясининг Қорачой-Черкасия Республикаси ва Ставрополь ўлкасида яшовчи, қорачой-болқор (туркий) тилида сўзлашувчи халқ.

ҚОРАШАҚШАҚ Чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб сайроқи қуш. *..йўл четидаги тут томондан қорашақшақ шақиллаб учиб қўнди.* М. Мансуров, Ёмби.

ҚОРАШЎРА Шўр ерларда ўсадиган ёввойи ўт. *Қорашўра ўсган жойлар ям-яшил далани эслатса-да, лекин у чорва учун бутунлай яроқсиз.* «Фан ва турмуш».

ҚОРАЯЛОҚ Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, гала-гала бўлиб учадиган қора қуш. *Чуғурчуқ, зағизғон, қораялоқ каби қушлар.. қора гилос шохларидан нари кетмас, боғча тўрини доим чуғур-чуғур овозлар босиб ётарди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҚОРАҚАЙИН Тоғли ҳудудларда ўсадиган, пўсти оч кулранг, ёғочи оғир ва қаттиқ йирик дарахт; шамшоднинг бир тури.

ҚОРАҚАЛПОҚ Қорақалпоғистон туб аҳолисини ташкил этувчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқнинг номи. *Қорақалпоқ халқи.*

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Қорақалпоқ тили.*

ҚОРАҚАЛПОҚЛАР Қорақалпоғистон туб аҳолисини ташкил этган, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; қорақалпоқ халқи.

ҚОРАҚАНД I Сирти сал тилим-тилим, туси жигарранг тўқ яшил, пўсти қаттиқ, эти қалин кечпишар қовун нави.

ҚОРАҚАНД II Тоғли жойларда ёввойи ҳолда ўсадиган бута ўсимлиги ва унинг овқатга солинадиган қорамтир майда сершира, нордон меваси; зирк. *У [зирк] майиз катталигида, ранги тўқ сапсар, қовжираб қуригани эса қорамтир тусда бўлади. Буни халқимиз «қораҳанд» деб ҳам аташади.* Газетадан.

ҚОРАҚАРАҒАЙ Шох-шаббаси учли конус шаклида бўладиган, доимо яшил, игнабаргли дарахт ёки бута.

ҚОРАҚАРҒА *қ.* **қарға.**

ҚОРАҚАТ, қорағат Баъзи турлари зийнат учун, баъзи турлари эса меваси учун ўстириладиган хушбўй бута ўсимлик ва унинг сершира, ширин ёки нордон-ширин, кўпинча қизил ёки қорамтир меваси; қора смородина. *Қизил қорағат. Қора қорағат.* ▬ *Ғир-ғир шамол эсади, қорақат, чиялар-нинг ёқимли иси анқийди.* С. Муродбеков, Ёвшан иси. *Шишларни йўқотиш учун.. тарвуз, узум, қора қарағат ҳамда четан мевасини истеъмол қилиш керак.* «Фан ва турмуш».

ҚОРАҚИЁҚ Бошоқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик; ажриқбош; ем-хашак экини.

ҚОРАҚОВУҚ Тоғли ерларда ўсадиган кўп йиллик, пиёзли доривор ўсимлик. *Янги дори тоғ ёнбағирларида ўсадиган қораҳовуқ ўтидан олинади.* Газетадан.

ҚОРАҚОШ I *бот.* Мураккабгулдошларга мансуб, хушманзара ўтсимон ўсимлик. *Бойчечаклар кетидан қораҳошлар очилди.. Қизлар қораҳошлар терди, қулоқларига тақди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҚОРАҚОШ II *бот. шв.* **1** Қора тусли, бўртиб чиққан йўли бор, кам этли ширин кузги қовун нави.

2 Сирти қалин тўрланган, туси оч яшил, эти ширин ва хушбўй ҳандалак тури.

ҚОРАҚУЙРУҚ *айн.* **жайран.**

ҚОРАҚУЛОҚ Мушуклар оиласига мансуб, тумшуғи узун, қулоғининг учи қора сутэмизувчи ҳайвон.

ҚОРАҚУРТ Бўғимоёқлилар типининг ўргимчаксимонлар уруғи вакили: усти бахмалга ўхшаш, қора тусли; фақат урғочиси заҳарли бўлади. *Қорақурт чақаётганда, одам сезмай ҳам қолади. У, худди қандалага ўхшаб, чақиб қочади.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

ҚОРАҚУШ Қарғасимонлар оиласига мансуб парранда; қора патли чўл бургути.

ҚОРАҚЎТИР Яра битаётганида, унинг устида ҳосил бўладиган қаттиқ пўст.

ҚОРБЎРОН **1** Шамол аралаш кучли қор ёғиши; қор бўрони. *Эрталаб бошланган қорбўрон тобора кучаймоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сурувнинг орқасида Бобоқул ота келарди. Қаршидан ҳамла қилаётган қорбўрон гўё унинг баланд қоматини буккан-ди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бир-бирига қор юмалоқлаб отиш ўйини. *Қорбўрон ўйнаган қиз ҳам қўрқадими? Юраверинг. Мен кафил.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚОРГИЧ Қориш, қориштириш учун ишлатиладиган асбоб.

ҚОРЁҒДИ *этн.* Марҳумнинг вафотидан кейин биринчи қор ёққанда ўтказиладиган мотам маросими.

ҚОРИ [*а.* قارئ – ўқувчи, Қуръонни қироат билан ёддан ўқувчи киши] **1** Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва уларни қироат билан ўқувчи шахс. *Қуръонни бошдан-оёқ ёд олган «қорилар».. рўза ойида пул ишлаб қоладилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Қози ёнидаги Асад қорига юзланди: -Имом домла, ўқинг-чи, нима битибди буёнга.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Фотиҳа тортилгандан сўнг, қутидор ва Офтоб ойим қорига пул бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўзи ожиз, кўр киши (ҳурмат юзасидан уларни шундай атайдилар). *Таёқ йўл кўрсатар аъмо қорига, Ул ҳам кўнган қисматида борига.* «Эрали ва Шерали».

ҚОРИЛИК Қори иши, вазифаси. *У, мадрасани тамом қилгач, «қори» деб ном олган бўлса ҳам, унга бирор жойда қорилик ёки имомлик қилиш насиб бўлмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚОРИЛМОҚ Қормоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Терт яхши қорилди. Сутга қорилган хамир.* ▬ *[Ҳакимбойвачча] Қаймоққа қорилган нонлар билан тўла дастурхон ёзиб, аччиқ чойни қуя бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг тупроққа қорилган гавдаси юқоридан юмалаб тушиб, шу ерда тўхтаганига гувоҳ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚОРИН 1 *анат.* Тананинг қорин девори билан қорин бўшлиғидан иборат пастки, овқат ҳазм қилиш аъзолари, яна баъзи бошқа аъзолар жойлашган қисми. *Нормат анча ергача қорни билан судралиб борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қорни солинган биялар елинларини тирсиллатади.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *У ўтирган ерида қорнини ушлаб, қотиб-қотиб кулади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *с.т. айн.* **қорин бўшлиғи.**

Қорин бўшлиғи Тананинг юқоридан, яъни кўкрак қафасидан диафрагма билан ажралиб турадиган, пастдан катта чаноқ бўшлиғи, орқадан умуртқа поғонаси, ёнбош ва олдиндан сербар мускуллар билан чегараланган қисми.

3 *с.т. айн.* **меъда, ошқозон.** *Оч қоринга тушган ўткир май виз эттириб қайнатди-да, томоқ остини ловуллатмоққа олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳозир.. қўй-қўзилар куни билан қоринларига йиққан овқатларини, бамайлихотир ётиб, кавш қайтараётгандир.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қорни оч Қорни (меъдаси)да ҳеч нарса йўқ, овқат (емиш) талаб. **Қорни очмоқ** Емиш талаб бўлмоқ, овқат тусамоқ. *-Рост, қорним очди, — деди Турғунбой пешонасидан терларни сидираркан.* Т. Ашуров, Оқ от. *Қорним очса.. темир товоғимга озгина-озгина сут соғиб оламан..* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қорни тўймоқ** *қ.* **тўймоқ 1.** *Қорним нонга тўймаяпти, бирор иш топиб бер.* Т. Ашуров, Оқ от.

Қорни тўқ *қ.* **тўқ** I **1.** *Қорни оч билан қорни тўқнинг нима иши бор?*

4 Ҳайвонларнинг масаллиқ сифатида ёки идиш сифатида ишлатиладиган шу аъзоси. *Ичак, қорин гўшт бўлмас, Душман асло дўст бўлмас.* Мақол. *Бир қорин мойни бир қумалоқ чиритар.* Мақол. ▬ *Тошхол буғланиб турган ўпка, жигар, буйрак, қоринларни пичоқ билан нон устига олиб қўйгач, бармоқларига пуфпуфлаб тўғрай бошлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Хуржуннинг икки кўзини тўлғазиб, қоринда мой келтирадиган қишлоқи мурид Тиллабой келиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *кўчма* Тирикчилик, ейиш-ичиш; курсоқ, жиғилдон, нафс. *У фақат қорнини ўйлайди.* ▬ *Матқовул ака, мен нон топармиканман, деб қорин ғамида мактаб очганим йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳадеб қоринни ўйлаш керак эмас.* С. Сиёев, Ёруғлик.

6 *кўчма* Қумғон, чойдиш, оптова, хум, кўза каби идишларнинг нарса солинадиган, ташқарига қаппайиб чиққан кенг, йўғон қисми. *Бутилканинг қорни. Кўзанинг қорни. Самоварнинг қорни. Чойнакнинг қорни.* ▬ *Ҳамиша Қодировнинг столида қорни катта графин сув билан тўла турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 Баъзи чолғу асбобларининг ўйиб ёки бошқа йўл билан ишланадиган ичи бўш қисми (асбобнинг дастага уланадиган, овоз берадиган қисми). *У аянчли бир вазиятда қоракуя бўлиб куйиб, қорнининг юз тахтаси ўйилиб тушган дуторни қўлига олди ва бошини аста кўтарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *..одам қанча оч бўлса, шунча яхши ишлайди,*

дуторнинг ҳам қорнини тешишмаса, жарангламасди.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

8 *с.т.* Ич, бачадон. *Менам қўзиларни онасининг қорнидан тушиши билан ажратганим йўқ.* С. Анорбоев, Оқсой. *Уйимизнинг тўри сеники. Тор қорнимга сиққан, кенг уйимга сиғмайсанми?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бир қориндан талашиб тушган Бир онадан туғилган. **Онасининг қорнида** 1) ҳали туғилгани йўқ. *У келганда, сен чақалоқмидинг ё онанг қорнидамидинг..* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *кўчма* мутлақо йўқ, ер юзида топилмайди. *Менинг устимдан ариза ёзадиганлар онасининг қорнида, афандим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Онасининг қорнида ётгандай** Жуда тинч, беташвиш. *Хотиржам бўл, кийикчанг худди онасининг қорнида ётгандай роҳат қиляпти.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Қорин пиёз (нинг) пўсти бўлди** Қорин ниҳоятда очди. *Менинг қорним пиёзнинг пўсти бўлиб кетди.* В. Ғофуров, Вафодор. **Қорин солмоқ** (*ёки* **қўймоқ, ташламоқ)** Қорни меъёрий ҳолатдагидан катталашмоқ, қориндор бўлмоқ. *..тезда қорин қўйиб, кўзойнак тақди.* Мирмуҳсин, Умид. *Машинадан ўрта ёшлардаги, сал қорин ташлаган.. бир киши тушди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ҚОРИНБОЙ *с.т.* **1** Қорин қўйган, қорни катта. *Анави қаққайиб турган қоринбой одамни қара.*

2 Амалдор, мансабдор шахсларга нисбатан қўлланади. *Хиёлнинг қоринбой бўлиб кетганини билмас эканмиз-да..* И. Раҳим, Тақдир.

ҚОРИНБОҒ От ёки эшакнинг қорнидан тортиб, эгарга маҳкамланадиган ёки қорнидан ўтказиб, арава шотисига боғланадиган энли тасма; қоринбоғич. *Қамбар тойчанинг қоринбоғини бўшатиб, қозиққа боғлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қобилбой аравага қўшиғлиқ отнинг бошини силаб эркалади, анжомларини кўздан кечирди, қоринбоғини қаттиқ тортиб боғлади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҚОРИНБОҒИЧ 1 Яктак, тўн ва ш.к. кийимларнинг тугма ўрнида ишлатиладиган боғичи.

2 *айн.* **қоринбоғ.**

ҚОРИНДОР Қорни катта, қорни дўппайиб чиққан (*қ.* **қорин 1, 6).** *Тожиддин Қосим бўйи шипга етгудай, қориндор, ола кўз, ботиқ пешона, кўсанамо, қирқ беш ёшлардаги киши.* Ойбек, Нур қидириб. *Салимжон плитка устидаги кўк, қориндор чойнакдан бир қултум сув ичди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

ҚОРИНЛИ 1 Аниқловчи сўз билан қўлланиб, шу сўз англатган ҳолатдаги қоринга эгаликни билдиради (*қ.* **қорин 1, 6).** *Қишлоқнинг кажава қоринли, юм-юмалоқ оқсоқоли иссиқдан ҳарсиллаб-гурсиллаб етиб келди.* Ойбек, Навоий. *..бир ҳовуч тамаки олиб, уни гулхан олдида турган кенг қоринли.. хива чилимининг сархонасига босди.* С. Айний, Қуллар.

2 *айн.* **қориндор.** *63 ёшда, серсоқол, гавдали.. шўхтабиат, қоринли бир киши бўлиб, юртнинг қозикалонидир.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ҚОРИНЧА Қорин с. кичр.

Мия қоринчаси *анат.* Мия бўшлиғи. **Юрак қоринчаси** *анат.* Юракнинг қон томирларида қон ҳаракатини бошқарувчи қисми.

ҚОРИХОНА [қори + хона] **1** *тар.* Мусулмонларнинг қорилар тайёрланган диний ўқув юрти. *[Султонбек:] Бир ўғлим қорихонада ўқийди. Бир ўғлимни Хадрадаги ўрис мактабига бердим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Масжиднинг қуръон тиловат қилиш учун ажратилган бўлмаси; қироатхона. *[Қори] Секин-секин қорихонадан чиқиб келди ва нарида ўтириб, қуръон ўқиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОРИШИҚ Аралашиб, қоришиб кетган, аралаш-қуралаш. *Козимнинг димоғига ўт-ўланларнинг бир-бирига қоришиқ иси урилди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Алам ҳам, армон ҳам қоришиқ эди бу хўрсинишда.* М. Мансуров, Ёмби.

Қоришиқ ундош *тлш.* Портловчи ва сирғалувчи товушдан таркиб топган мураккаб ундош, мас., ц (т+с), ч (т+ш) каби.

ҚОРИШМА 1 Суюқ ёки майда заррали сочилувчан нарсаларнинг ўзаро аралашувидан, қоришувидан ҳосил бўлган модда; қоришиқ масса; аралашма. *Асал билан сариёғ қоришмаси.* ▬ *Пахта майдонлари минерал ва органик ўғитлар қоришмаси билан ўғитланиб, сифатли шудгорланди.* Газетадан.

2 *айн.* **бўза** II. *Цемент қоришмаси. Оҳак қоришмаси. Қоришма билан ғишт термоқ.* ▬ *Қадимги Римда боғловчи модда сифатида оҳак қоришмасига майдаланган вулкан жинслари ишлатилган.* «Фан ва турмуш».

ҚОРИШМОҚ 1 Қормоқ фл. бирг. н.

2 Бир-бирига аралаш, қўшилган, бирлашган ҳолга келмоқ. *У қор, тупроқ қоришиб, аталаси чиққан майдонда чўзилиб қолди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

3 *кўчма* Аралашиб, қўшилиб, бир бўлиб кетмоқ; аралаш-қуралаш бўлиб, фарқини йўқотмоқ. *Гап қоришиб кетди. Фикр қоришиб кетди.* ▬ *Унинг миясида ола-қуроқ мулоҳазалар қоришиб кетди.* «Шарқ юлдузи».

4 (*ж. к. билан*) Беланмоқ, бўялмоқ, ботмоқ. *Лой ва тупроққа қоришган жангчиларни танимоқ қийин эди.* Ойбек**,** Қуёш қораймас. *Таниш зангори дурра тупроққа қоришиб ётибди.* Х. Аҳророва, Орифнинг давлати. *Ўлим билан олишганларнинг, Жангда қонга қоришганларнинг Ҳайкалидир!* Э. Раҳим.

5 *кўчма* Овора, банд бўлмоқ; куйманмоқ (бирор иш-юмуш билан). *Кумушбиби.. ошхона юмуши билан қоришиб ётган онасининг олдига борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Турғун:] Оббо, Муҳаббат-эй.. Роса меҳнатга қоришиб қолибсиз-да, а? Мунча ўзингизни уринтирмасангиз?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Рўзғор ишларига қоришиб кетиши ҳам унча сезилмас, аксинча, овутгандай бўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

6 *кўчма* Бош суқмоқ; суқилмоқ, аралашмоқ, қотишмоқ. *Жанжал бўлса, қоришмам.* Ҳамза. *Сен бу ишга иккинчи марта қоришма.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОРИШТИРМОҚ 1 Қоришмоқ фл. орт. н. *Тупроққа қориштирмоқ. Бетон қориштирмоқ.* ▬ *Бадбахтни [Ҳомидни] икки кишиси билан тупроққа қориштириб кетувчи Отабек экан!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бир хил деб қарамоқ; фарқламаслик. *Фикрларни қориштирмоқ.* ▬ *Синекдоха билан метонимия асосан қуйидаги ҳолатларда қориштириб юборилади ..* «ЎТА».

ҚОРИҚ Табибчиликда қон олиш учун ишлатиладиган, сигирнинг шохидан махсус ясалган асбоб; қортиқ. *Қориқ солмоқ.* ▬ *Ўтар бобо унинг билагини ушлаб, томир уришини текширди.. сўнг ётқизиб, яғирига қориқ қўйди.* С. Сиёев, Аваз.

ҚОРИҚЧИ Қориқ солувчи табиб.

ҚОРЛИ 1 Қори бор, қор билан қопланган. *Қорли тоғлар чўққисидан боқади қуёш.* Ғайратий.

2 Қор ёғиб турган, қор ёғаётган. *Қорли тун.*

ҚОРЛИК Қор қоплаган, қор босган жой. *Шовуллади тун бўйи шамол, Қорликларда ўчди изимиз.* А. Орипов, Йиллар армони.

ҚОРМОҚ 1 Суюқ ёки майда заррали сочилувчан нарсаларни бир-бирига аралаштирмоқ, қориштирмоқ. *Толқонни шакар билан қормоқ. Қатиққа шакар қориб ичмоқ.* ▬ *Қўй сути, қўй мойига Упадек унни қориб..* Қ. Муҳаммадий.

2 Обдан аралаштириб етилтирмоқ, ийламоқ, пишитмоқ (шу йўл билан ўзи боғланиб келган сўз англатган нарсани тайёрлашни билдиради). *Лой қормоқ. Бетон қормоқ.* ▬ *Кун чиқмасдан ун эладим, хамир қордим..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёрмат хўжайиннинг сигир-бузоқларига терт қориш билан банд бўлган хотинининг олдида тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Булғамоқ, беламоқ, қориштирмоқ. *Лойга қормоқ.* ▬ *Сел ғўзаларимизни.. меҳнатимизни ҳам тупроққа қориб олди-кетди-ю, аммо юрак қўримизни, виждонимизни оқизиб кетгани йўқ.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари. *Ўзингни балчиққа қориб, йиғлабёлвориб, деҳқоннинг оғзидагини, косибнинг бўғзидагини умид этишга ор қилмайсанми, Матпано?* С. Сиёев, Аваз.

4 *кўчма* Ботирмоқ, кўммоқ; гирифтор қилмоқ. *Чўпонни севолмадим, Ҳеч кўнгил қўёлмадим. Ғурбатга қорганимнинг, Девга юборганимнинг Сабаби шунда эди.* Ҳ. Олимжон.

ҚОРОВУЛ 1 Бирор объектни қўриқловчи қуролли шахс, шахслар гуруҳи; посбон, соқчи. *Ўрда қоровули.* ▬ *Подшонинг Бухорога келиши муносабати билан кўчалар тозаланган, қоровулу ясовуллар йўлларга тинмай сув сепишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Арк қоровуллари кийимларини ечиб, кўрпаларига чўзилдилар.* С. Айний, Дохунда.

2 Бирор объектга зиён-заҳмат етказмаслик, унда тартиб-интизом ва ш.к. ни сақлаш учун, қўриқлаш учун қўйиладиган шахс; қўриқчи. *Ўрмон қоровули. Боғ қоровули. Кўча қоровули.* ▬ *ТошМИ дарвозаси олдида қоровул уларни тўхтатди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Мозорни қиртишлаб то-*

залади. Гўристон қоровулига пул бериб, қуръон тиловат қилдирди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Кузатиб, огоҳ бўлиб турувчи. *Умрзоқ кўприкнинг нариги четида қоровул бўлиб туриш учун кетди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Лекин элликбоши Йўлчининг изига қоровул туширганлигидан хабардор бўлган.. Қоратой Йўлчининг тадбирларини маъқул кўрмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *ҳарб.* Бирор объектни сақлаш, муҳофаза қилиш вазифаси юклатилган ҳарбий бўлинма. *Гарнизон қоровули.* ▬ *Қоқ ярим кечада қоровуллар тревога кўтаришди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Нишонга олиш учун милтиқ, пистолет каби қуролларнинг стволи учига ўрнатилган бўртиқча; мушак. *Аҳмаджон шошмасдан милтиғини ўнглади. Узоқдан думсиз калтакесакка ўхшаб кўринган фашистни қоровулга қўндириб, тепкини босди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҚОРОВУЛБЕГИ *тар.* Ўрта Осиё хонликларида: қоровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий қисмларнинг бошлиғи.

ҚОРОВУЛЛАМОҚ Қоровул туриб сақламоқ, қўриқламоқ. *Омборни қоровулламоқ. Полизни қоровулламоқ. Чорвани қоровулламоқ.* ▬ *Саъди чол поданинг олдига ўтди, Холмурод пайкал томонни қоровуллаб қолди.* «Ёшлик».

ҚОРОВУЛЛИК 1 Қоровул иши, вазифаси; қоровул туриш. *Қоровуллик қилмоқ.* ▬ *Оз ерли ва ерсизлар чоракорлик, қоровуллик ёки бошқа бирор касб билан машғул эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Қоровуллик штатига киритиб қўяман.* Т. Ашуров, Оқ от.

Қоровуллик қилмоқ 1) қоровул вазифасида ишламоқ. *Шаҳарда қоровуллик қиламанми, қовун тилиб сотаманми, менинг ишим.* «Муштум»; 2) қўриқламоқ, назорат қилмоқ, кўз-қулоқ бўлиб турмоқ. *Йўлда қудуқ ёнида тунаб, овқатланиб ухлашди. Зулфиқор билан Заврак.. ухламай, галма-гал қоровуллик қилишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Раҳим ўтоқчиларга чой, нон, газеталар етказиб бериб туриши, улар дам олганда, кийимлар ва асбобларга қоровуллик қилиши керак эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ҳарбий қоровул хизмати.

ҚОРОВУЛХОНА Ўз вазифасини бажараётган қоровул турадиган ёки дам оладиган хона, жой. *Ҳаммани гуноҳкор қилиб, қоровулхонага олиб бориб қамаб қўйдилар.* «Гўрўғли». *Шербек қоровулхонадан чиққач, тўғри Қизилжарга жўнади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚОРОВУЛЧИЛИК *айн.* **қоровуллик 1**. *Бадиа.. -Мен қоровулчилик қиламан, — деди. Бу — ҳам илтифот, ҳам фармон эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚОРОНҒИ 1 *сфт.* Қоронғилик босган, қоронғиликка чўмган, зиёдан, нурдан маҳрум бўлган; *зид.* **ёруғ.** *Қоронғи кеча. Қоронғи уй.* ▬ *Узун, қоронғи йўлакдан чиққач, Унсин тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дарча очилиши билан қоронғи ҳужрага совуқ ёпирилиб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уйнинг ичи қоронғи. Ҳамма ширин уйқуда.* «Ёшлик».

2 *от* Ёруғлик, зиё бўлмаган пайт, ҳолат; қоронғилик, зимистон. *Тун қоронғиси. Тонг қоронғиси. Қоронғи тушди.* ▬ *Ой ҳали чиқмаган, фақат унинг заиф нури қоронғидан қўрққандек.. йилт-йилт этиб кетади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ёрмат қоронғида йиқилиб-сурилиб, элликбошининг уйига келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Аниқ эмас; ноаниқ, номаълум. *Суҳбат ким ҳақида ва нима ҳақида борганлиги қоронғи.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Лекин бизга комиссия нималарга асосланиб шу фикрга келганлиги қоронғи бўлиб қолди.* С. Зуннунова, Олов.

4 *кўчма* Ноаниқ ва ёқимсиз, бўлмағур. *Кечқурун Гулнор ўз уйига қайтаркан, йўл-йўлакай ҳасратда ёниб, қоронғи хаёлларга чулғанди..* Ойбек, Танланган асарлар. *-Иним, — деди Абдукарим ака Ботиралининг қўлини қўйиб юбормасдан, — бўлисимизнинг қоронғи ишлари кўп.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

5 *кўчма* Рўшнолик, яхшиликдан холи; *зид.* **ёруғ.** *Дунё шундай ясалган экан, болам. Бировга ёруғ, бировга қоронғи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қаҳрамонлар бир-бирига етишишни, «қоронғи юртимизни илм чироғи билан ёритиш» йўлида бирга ишлашни орзу қиладилар.* Газетадан.

Боши қоронғи *қ.* **бош. Дунё** (*ёки* **жаҳон**) **кўзига қоронғи** У қаттиқ хафа, унга ҳеч нарса татимайди, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. *Мунаввар уч кунлик келинлигида бир гап эшитди-ю, бу дунёси кўзига қоронғи бўлиб кетди.* С. Анорбоев, Меҳр.

Машаққатли юришлардан зериккан хотини ғингшийвериб, доим унинг жонига тегар, кўзига дунёни қоронғи қиларди. М. Осим, Искандар ва Спитамен.

ҚОРОНҒИЗОР Қоронғилик, зулмат босган жой. *[Отабек] Шу қоронғизор билан қўшилишиб кетгандек ва қоронғиликнинг қучоғига кира боргандек, мевазорнинг ичкарисига юра борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОРОНҒИЛАМОҚ *кам қўлл.* Қоронғилик тушмоқ, қоронғи бўла бошламоқ; қоронғилашмоқ. *Энди кеч бўлди, кун қоронғилаб қолди.*

ҚОРОНҒИЛАТМОҚ 1 Қоронғиламоқ фл. орт. н. *Дераза ва эшикларга парда тутиб, хонани қоронғилатди.*

2 *кўчма* Ноаниқ қилиб қўймоқ, хиралаштирмоқ (маъно, тушунча ва ш.к. ни). *Оҳангни келиштираман, деб маънони қоронғилатиб қўйибди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚОРОНҒИЛАШМОҚ 1 Қоронғилик чўкмоқ, тушмоқ; қоронғи ҳолат юзага келмоқ. *Оқшом тушиб, ташқари қоронғилашиб қолган, гупиллатиб йирик-йирик қор ёғарди.* Газетадан. *Уч қулоч илгарилаш билан унгур ичи анча қоронғилашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўкда саёҳат қилиб юрган ой булутлар ортида қолди. Бутун ўрмон ва кенг далалар қоронғилашди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Ноаниқлашмоқ, хиралашмоқ; чигаллашмоқ (маъно, тушунча ва ш. к. ҳақида). *Масала ойдинлашмади, балки янада қоронғилашди.* ▬ *Баҳорнинг фикри қоронғилашди-ю, кўз олдини туман чулғади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Кўз олди қоронғилашди *қ.* **кўз.** *Чол охири ҳолдан тойиб, кўз олди қоронғилашди-да, сув аралаш лойга йиқилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кўзига дунё** (*ёки* **олам, жаҳон) қоронғилашди** Қаттиқ хафа бўлди, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. *Зиёдилла қамоққа олингандан кейин, олам кўзига буткул қоронғилашди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҚОРОНҒИЛИК Қоронғи ҳолат (тўғри ва кўчма маъноларда). *Туннинг қоронғилиги. ўрнинг қоронғилиги. Масаланинг қоронғилиги. Қоронғиликда тўқнашмоқ.* ▬ *Кўзи қоронғиликка кўниккандан кейин, охур ёнидаги сигирни, ола бузоқни кўрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кеч кириб, қоронғилик тушганда, Ҳуройим кўзини очиб қаради.* «Рустамхон». *Ҳасан овчининг кўнглини қоронғилик қоплади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Халқ яна қоронғиликда қолаверади. Бизни яна юз йил орқага тортишмоқчи.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ҚОРОТҚИ *айн.* **қаратқи.** *Ҳосили йиғиб олинган бўстонликларда унда-бунда қоротқи — қўғирчоқлар қаппаяди.* Ойбек, Навоий.

ҚОРТИҚ *айн.* **қориқ.**

ҚОРУВ *кам қўлл.* Эп, удда. -*Кўп қийнаманглар, маъқул сўзга қорув йўқ, — деб* *ёлвориб, эланиб қолди.* «Эрали ва Шерали».

ҚОРУВЛИ *кам қўлл.* **1** Удли-шудли; уддали. *Ноғоратепалик Сафар бободан саккизта ўғил туғилди. Уларнинг ичида Холмўмин қорувли ва серғайрат чиқди.* Газетадан.

2 Гавдали, норғул; қоматдор. *Минбарга қорачадан келган, ўрта бўйли, қорувли йигит кўтарилди.* «Самарқанд машъаллари». *Чавандозларни айтмайсизми. Ҳар келбатли, ҳар қорувли.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой. *Шу пайт даврага Тўйчига қараганда анча ёшроқ, қорувлигина йигит чиқиб келди.* «Ёшлик».

ҚОРХАТ *этн.* Биринчи қор ёққан куни зиёфат беришни таклиф қилиб, таниш кишиларга олиб бориб бериладиган мактуб (қорхат олган киши хат олиб келган кишини ушлаб олса, зиёфат қорхат ёзган киши томонидан берилади). *Тансиқ қорни ғанимат билиб, катталар ўз дўстларига қорхат ёзиб, ўзига хос нашъа-завқ бағишловчи қишки зиёфатларга юра бошлаганлар.* Ойбек, Навоий. *Биринчи қорнинг ўзига яраша гашти бўлади. Даламиздаги қўшнилар билан қорхат ёзишганларимиз ёдимга тушди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ҚОСИД [*а.* قاصد — жўнаб кетаётган; интилувчи, қасд қилувчи; хабарчи, элчи, чопар] *эск. кт.* **1** *айн.* **хабарчи.** *Борсанг кўйиға, қосидо, айғил Муқимийдин дуо.* Муқимий.

2 Қасд қилувчи, интилувчи.

ҚОСИР [*а.* قاصر — чек (чегара)ланувчи; камчиликли, қисқа, калта; кучсиз, ожиз] *кт.* Қусурли, қисқа, калта. *Ақли қосир.*

ҚОТИЛ [*а.* قاتل — ўлдирувчи, қатл этувчи; ҳалокатли] Одам ўлдирувчи ёки ўлдирган киши. *Ёмон шифокорнинг қотилдан фарқи йўқ.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Демак, Бойсунқур мирзо бизнинг изимизга қўйилган қотилни пайқаб, муҳофаза сифатида «овчи йигитлар»ини йўллаган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Унинг.. қонини даъво*

қиладиган кишиси бўлмаганидан, ҳукумат унинг қотилини топиш учун ортиқча ҳаракат қилмади. С. Айний, Эсдаликлар.

ҚОТИЛЛИК Қотил бўлиш, қотил эканлик. *Қотиллигини бўйнига олмоқ.* ▬ *Заҳар бермоқ учун сайланди Мансур, Нечук инсонки, қотилликка мағрур.* Ҳабибий.

2 Одам ўлдириш. *Қотилликда айбланмоқ.* ▬ *..жосуслик, диверсия.. қотиллик каби жиноятлар учун ўлим жазоси бўлиши мумкин.* Газетадан.

ҚОТИЛМОҚ *кам қўлл.* **1 Қотмоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Йўлга чиққанларидан бери орада бир оғиз сўз қотилгани йўқ.* А. Мухтор, Чинор. *Пастда ётган ит, гап ўзига қотилгандай, аста дум силкийди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Аралашмоқ, қўшилмоқ. *Бўз тупроққа қирмизи қон Қотилди майдон ичинда.* «Ширин билан Шакар». *Кумуш тунга кетгил қотилиб, Юлдузларни айлагин ҳавас.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

ҚОТИНМОҚ Қўшилмоқ, аралашмоқ; яқинлашмоқ. *Тўғри, унга қотиниб бўлмайди, лекин кўз билан кўриши, ширин лутфларидан баҳра олиши мумкин эди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Қиз бошдаёқ: -Бизга қотинсаларинг, ўзимга ўт қўяман, — деб огоҳлантиргани боис, йигитлар сукутда турардилар.* «Шарқ юлдузи».

ҚОТИРМА Қаттиқ қилиб, қотириб тайёрланган. *Кампир бир неча қотирма кулчани зўрлаб Бектемирга тутқизди..* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚОТИРМОҚ 1 Қотмоқ. фл. орт. н. *Нон қотирмоқ. Совуққа қотирмоқ.* ▬ *Гўштни, пиширмай, қотирмай, учаламиз еб бўлдик.* «Эртаклар». *Гоҳо тоғ томондан қуруқ ва аччиқ изғирин эсар ва.. қуёшда шилта бўла бошлаган қишлоқ кўчаларини даранглатиб қотириб ташлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёмғир ерни қотириб, захлатиб қўйди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 *кўчма с. т.* Ўрнига келтириб ижро этмоқ, жуда яхши бажармоқ, қойил қилмоқ; ўринлатмоқ, дўндирмоқ, бопламоқ. *Ишни қотирмоқ. Гапни қотирмоқ.* ▬ *Фельетонингизни ўқидим. Жуда.. қотирибсиз!* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *Уч жойга қотириб уй-жой қурдим..* «Муштум». *«Мен ундай қилдим, мен бундай қилдим, қотирдим, дўндирдим», деб осмондан келади.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

Бош қотирмоқ *қ.* **бош 2.** *Ҳозир Аширмат бу ҳодисанинг маъносини, сабабини топмоқ учун анча бош қотирди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Унда математик формулалар билан бош қотирмай, маза қилиб юраверади. Қойил!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ҚОТИШМА *тех.* Турли металл ва металлмас моддаларнинг эриган ҳолда ўзаро қўшилуви ёки аралашувидан ҳосил бўлган модда. *Мис билан никелнинг қотишмаси. Мис билан қалай қотишмаси.* ▬ *Қотишма тайёрлаш узелида қишга яхши тайёргарлик кўрилмаган.* «Муштум».

ҚОТИШМОҚ 1 Қотмоқ фл. биргл. н. *Улар хандон уриб қотишди. Совуқда қотишди.* ▬ *Қизиқ бир вазиятда бир зумгина қотишарди.* Ойбек, Навоий.

2 *тех.* Қотишма ҳосил қилмоқ.

3 Ўзаро муносабатга кирмоқ; аралашмоқ, суқилмоқ, қўшилмоқ. *Тиниб-тинчимайди. Ўз иши етмагандай, бошқаларнинг ишига ҳам қотишиб юради.* Ҳ. Назир, Узр, отахон.

ҚОТМА 1 Бадани камгўшт, аммо пишиқ. *У [вакил] қоп-қора, қотма, вужуди пай бир йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тош супачада.. қотмадан келган новча бир киши хаёлга чўмиб ўтирар эди.* Туйғун, Найчининг қалби.

2 Териси суягига ёпишган; озғин, ориқ. *Салтонбу ғаму ғуссадан, муҳтожлик ва доимий очликдан сўлишиб кетган қотма юзини чўзғиловчи кулгидан ўзини тутолмай кулар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..беқасам тўннинг олди очилиб.. қотма кўкраги кўриниб турар эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚОТМОҚ 1 Нами, суви қочиб, қаттиқ ҳолга келмоқ, қаттиқ бўлмоқ; *зид.* **юмшамоқ.** *Алебастр тез қотади. Елим қуриб, қотиб қолибди. Қотган нон. Хамир тошдек қотибди.* ▬ *Улар ўз қадамларининг тарашадай қотган ер билан уришиб тарақлашидан бўлак шарпа эшитмасдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Хизмат ҳақини аллақачон олганмиз, — деди куракчасидаги қотиб қолган лойни тозаларкан.* Н. Аминов, Суварак.

2 Қимирлаш, ҳаракатланиш хусусиятини йўқотмоқ (тана аъзолари ҳақида). *Гардани қотмоқ.* ▬ *Эрталабки гимнастика шалпайиш ва қотиб қолганликни йўқотади, қон*

айланишини тезлаштиради.. Газетадан. *Кела-келгунча машинада ўтиравериб, бели қотиб кетган Ҳожимурод у ёқ-бу ёққа юриб, чигилини ёзмоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 *кўчма* Қўрқув, ҳайрат ва б. сабаб билан ҳаракатини тўхтатиб, қимир этмаган ҳолда бўлмоқ. *У на юришини, на юрмасини билмай, жойида тек қотди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Саратонда муаллақ қотган ҳаво ғубори шабнам билан яна ўз онаси — тупроқ оғушига оҳиста чўкди.* «Саодат». *Охунд билан қори бошлари ерга теккудек бўлиб, таъзимда қотган эдилар.* С. Сиёев, Аваз.

4 *кўчма* Ҳаракатсиз, ривожланишсиз ҳолда бўлмоқ. *Адабиёт қотиб қолган нарса эмас.* ▬ *У эски, сунъий йўлдан юрган, шеърда қотиб қолган, ҳозирги ҳаёт маъносини тушунмайдиган.. қалбаки шоирларга қамчин сола бошлади.* Ойбек, Нур қидириб. *Бу домла [Салимхон Обидий] қотиб қолган одам.. профессор унвонини ўша вақтда олиб қолди-ю, йигирма йилдан буён ҳеч нима қилгани йўқ.* Мирмуҳсин, Умид.

5 Қаттиқ совқотмоқ, тўнгмоқ, музламоқ. *Совуқдан боланинг оёқ-қўли қотиб кетибди.* ▬ *Қотиб ўласанми, ҳароми, исинмасанг нима қилади?* Ойдин, Ҳазил эмиш.

6 Пишиқмоқ, чиниқмоқ. *Унинг тани қуёшда қорайди, мускуллари қотди.*

7 *кўчма* Тўхтовсиз, қаттиқ кулмоқ ёки йиғламоқ. *Унинг гапига роса қотдик. Бола қотиб-қотиб йиғлар эди.* ▬ *Алексей ва Элмурод унинг ҳикоясини ҳузур қилиб тинглаб, кула-кула қотдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бобом кулгидан қотиб қолади.* Ойбек, Болалик.

8 Қаттиқ уйқуга кетмоқ; донг қотмоқ. *..бизнинг қисм командири меҳмондорчиликдан саҳар пайтида келиб, қотиб қолган экан.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

9 *шв.* Аралаштирмоқ, қориштирмоқ, қормоқ. *Бориб кирсам майдонга, Аччиғим тарқатсам, деб. Душманларнинг қонини Бўз тупроққа қотсам, деб.* «Равшан».

10 Жуда озмоқ, ориқламоқ. *Болам бечорани тинч қўясанми, йўқми? Еган-ичгани татимай, кундан-кунга турнадек қотиб кетяпти ўзи.* О. Ҳусанов, Най.

Бети қотмоқ *қ.* **бет.** *Сўкаверсанг, бети қотар, Ураверсанг, эти қотар.* Мақол. **Боши (***ёки* **мияси) қотмоқ** *қ.* **бош. Гап (***ёки* **сўз) қотмоқ** *қ.* **гап. Дийдаси қотмоқ** *қ.* **дийда.** *Бу хил аламзадаларни кўраверib, дийдаси қотиб кетган собиқ милиционер Сайрамов: -Энди кўп ҳам ўйламанг, Баширжон ука, — деди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. **Донг қотмоқ** *қ.* **донг** II. **Суяги қотмоқ (***ёки* **қотган)** 1) суяги пишиқ (қаттиқ) ҳолга келмоқ; ўзини тута оладиган бўлмоқ. *Суяги қотмаган бола;* 2) шахснинг шу сўз боғланиб келган сўз англатган иш, касб ва ш.к. билан пишиб етишганлигини, катта малакага эгалигини билдиради. *Суяги пахтачиликда қотган.* ▬ *Толиб ака суяги журналда қотган тажрибали ходим.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Суяги савдогарчиликда қотган бой, олтмишлардан ошганига қарамай, йигитларга ўхшаб кетадиган қиёфаси бор эди.* «Ёшлик». **Тери қотмоқ** Терлашдан тўхтамоқ ва мавжуд терлари қуримоқ. *Зулфиқор баданидаги терлар қотиши билан яна тўнкани юмалата бошлади..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Унинг пешонасидаги реза-реза терлар ҳали қотганича йўқ.* Газетадан. **Тили қотган** Тили гапга келмайдиган, айланмайдиган бўлиб қолган. *«Одамнинг ёши ўтиб, тили қотиб қолгандан кейин ўқий олмайди», деган гапга ишониб юрар эдик..* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тун қотмоқ** Тун бўйи ухламаслик, ухламай тонг оттирмоқ. *Гапи адо бўлмайдиган балога йўлиқдик, ўзимиз тун қотиб, йўл юриб келиб эдик.* «Алпомиш». **Энсаси қотмоқ** *қ.* **энса. Ҳаром қотмоқ** *айн.* **ҳаром ўлмоқ** *қ.* **ҳаром.**

ҚОТРАНҒИ Тоғли ерларда ўсадиган, ёғочи оғир, қаттиқ, меваси ейишли дарахт ёки бута; тош дарахт.

ҚОТҚОҚ Қатқалоқ ёки музлаган қаттиқ ер. *Эшак юрар қотқоқда, маълум бўлар ботқоқда.* Мақол.

ҚОФ [*а.* قاف — араб алифбосидаги «ق» ҳарфининг номи; ер юзини ўраб олган деб хаёл қилинувчи афсонавий тоғ номи]: **Кўҳи Қоф** *ёки* **Қоф тоғи** Гўё ер юзини ўраб олган деб фараз қилинган афсонавий тоғ. *У девнинг таърифини эшитганмиз, у «Кўҳи Қоф» мамлакатида соф усталарни тўплаб, паланг от қилдирган.* «Муродхон». *Ҳаёти сарсариликда кечган одамлар учун уч йиллик азобу уқубатни бошдан кечириш Қоф тоғини елкага ортмоқлаб юриш билан баробар.* К. Алиев, Мараз.

ҚОФИЛА [*а.* قافله — карвон; кишилар, йўловчилар сафи, қатори, гуруҳи] *эск. кт.*

Сафардаги кишилар тўдаси; карвон. *Фосиҳ афандининг извоши орқасидан йўлга чиққан қофила от бозори гузарига келиб тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қофила бошининг эсига келади, Бойсарининг арзасини олади.* «Алпомиш». *Қудалар қофиласи шаҳарга жўнаркан..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҚОФИЯ [*а.* قافيه – шеърда бир неча байт ёки мисралар охиридаги сўзларнинг ўзаро оҳангдош, мос бўлиши; сўз ўйини] **1** Шеърий мисраларнинг муайян ўрнида оҳангдош сўз ёки сўз бирикмаларининг изчил такрорланиб келиши. *Шеърни қофияга солмоқ. Сўзларни ўзаро қофия қилмоқ.* ▬ *Тўла оҳангдош бўлган сўзлар ёки ҳижоларнинг қофияланиши «тўқ қофия» ёки «тўла қофия» деб аталади.* «Адабиёт назарияси».

2 Шеърдаги қофиядош сўзларнинг охирги ҳарфи.

3 *эск.* Шеър ёзиш ҳақидаги таълимот.

Қофияси келганда *с. т.* Гап келганда, ўрни, пайти келганда, тўғри келиб қолганда. *Қофияси келганда, отангни аяма.* Мақол. ▬ *[Аширмат:] Қофияси келганда айта қолай, мен остонангга қулчиликка келдим.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Қофияси билан** *с. т.* Қаттиқ тегмайдиган қилиб, ётиғи билан. *[Нетайхон:] Нусрат аканг шунчалик қилгандан кейин сен ҳам гапни қофияси билан гапирсанг бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

ҚОФИЯБОЗ [*а.* + *ф.* قافيه‌باز – қофияни, қофиялашни яхши кўрадиган] Қофияга берилиб, шеър маъносига, мазмунига эътибор бермайдиган нўноқ шоир. *У ҳозирги замонда форсча ёзадиган шоирларнинг ўндан тўққизи қофиябозлар бўлиб кетганини жуда осон исбот қилди.* Ойбек, Навоий.

ҚОФИЯБОЗЛИК Қуруқ қофиянинг ўзига берилиб кетиш. *Уларда оҳангдошликни юзага келтирувчи қофиябозлик ибтидоий сўз ўйини тусини олган.* «ЎТА».

ҚОФИЯДОШ Ўзаро қофияланувчи, талаффузи ўхшаш, оҳангдош. *Қофиядош сўзлар. Қофиядош бўлмоқ.* ▬ *-Ҳа, бола учрамаганда, балога учрардик, – деди Фарҳод қофиядош сўз топганлигидан кулиб.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Қофиядош иборалар Рабғузий асари тилининг Яссавий ҳикматлари тилига жуда яқин эканини кўрсатиб турибди.* П. Қодиров, Тил ва эл. *Отингизни қофиядош қилиб «Эшполвон» ўрнига «Мешполвон» қўя қолинг.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҚОФИЯДОШЛИК Қофиядош ҳолат, қофияга эгалик. *Сўзларнинг қофиядошлиги.*

ҚОФИЯЛАМОҚ Қофия қилмоқ; қофияли қилмоқ, қофияга солмоқ. *Шеърнинг иккинчи мисраларини қофияламоқ.*

ҚОФИЯЛАНМОҚ 1 Ўзаро қофия, қофиядош бўлмоқ, бир-бирига қофия бўлиб келмоқ. *Қофияланмайдиган сўзлар.*

2 Қофия билан таъминланмоқ, қофияли бўлмоқ. *Рубоийда одатда биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар қофияланади.*

ҚОФИЯЛИ 1 Ўзаро қофияланувчи, қофиядош. *Қофияли сўзлар.*

2 Қофия билан таъминланган, қофияси бор. *Ғазалда мисралар ўзаро қофияли бўлади.*

ҚОЧИЛМОҚ Қочмоқ I фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Расми, ёмон хотиндан қочилади, замона шум бўлса, яхши хотиндан ҳам қочар экан киши.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Олиб қочилган Гулнорни қутқариб, уни [Салимни] шарманда қилаёзган номаълум йигит Йўлчи экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚОЧИРИМ 1 Бирор кимса, нарса, воқеа ва ш.к. га ишора қилиб айтилган рамзли гап, шама; қочириқ. *У.. нариги сўридаги машшоқлар билан ўтирган чўтир Абдураҳим ошпазни қочирим билан аския қила бошлади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка. *[Зайнобиддин] Баъзида андаккина қочиримга ҳам оғзи қулоғида хирр-хирр кулади.* Мирмуҳсин, Тирик товон. *Башорат имо-ишора қочиримларни ё тушунмайди, ё тушунмасликка олади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 Истеҳзо, киноя, пичинг, кесатиқ, қочириқ. *Муборак шу гапга ҳам хандон уриб кулди. Турсуной Дилбарнинг бу гапи қочиримми ё мақташми – тушунмас эди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

3 *мус.* Ўзбек анъанавий мусиқасида оддий ва мураккаб мусиқа безакларининг умумий ифодаси: куйга жило берувчи қисқа товуш (оҳанг)лардан ташкил топади. *Ўзбек миллий куйлари нозик қочиримлари билан нотага олинди.* Газетадан.

ҚОЧИРИШ Урғочи чорва молларини урчитиш усули; табиий ёки сунъий уруғлантириш. *Қорамолчилик, қўйчилик, эчкичиликда қочиришнинг энг самарали усули сунъий қочириш ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

ҚОЧИРИҚ *айн.* **қочирим 1, 2.** *Шербекнинг нимага қочириқ қилаётганини пайқаб қолган Жалил қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гоҳида йигитлар ҳам келиб қўшилиб, аския, қочириқлар бошланарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *[Бу] Қочириқ гап Бўронбойнинг суяк-суякларигача зирқиратиб юборди.* М. Назаров, Олтин бошоқ ишқида.

ҚОЧИРМА *кам қўлл.* Қочириқ, қочирим. *Шоир Туробий дўстларини суюниб қарши олди. Бир неча қочирма гаплардан кейин болохонага таклиф этди.* Ойбек, Навоий. *Қўзининг қочирма гаплари қулоғининг тагидан кетмади.* Ё. Шукуров, Уч савол.

Марказдан қочирма *тех.* Марказдан радиус бўйлаб ташқарига йўналган. *Марказдан қочирма куч. Марказдан қочирма насос.*

ҚОЧИРМОҚ I **1** **Қочмоқ** I фл. орт. н. *Ернинг захини қочирмоқ. Кайфини қочирмоқ. Мазасини қочирмоқ. Кўздан қочирмоқ.* ▬ *Ҳоким учта маҳбусни шаҳар турмасига жўнатганда, ўшаларни Қудрат акам қочириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Пазандаликда сени бир чўқишда қочиradiку!* Ҳ. Назир, Олтин қадаҳ.

2 Четга тортмоқ, узоқлаштирмоқ; орасини очиқ-очиқ қилиб қўймоқ. *[Отабек] Содиқдан кўкрагини қочириб, ханжарли қўлини бўшатди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаёт эса худди йиқилиб кетишдан қўрққандек, бир қўли билан танчани ушлаб, юзини йигитдан хиёл қочириб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бобоқул ота.. учта чиллакни танлади-ю, ўрик тупининг уч ёғига ораларини сал-сал қочириб суқди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Йўқотмоқ, қўлдан чиқармоқ, бой бермоқ, ўтказиб юбормоқ. *Оқизмагин кўздан қонли ёшимни, Қочирибман ақлим билан ҳушимни.* «Гўрўғли». *Мансур бу гапни бекорга айтмади. Зуҳра чиндан мени таниган. Фурсатни қочирмасдан чорасини кўриш керак.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

4 *кўчма* Орасини бузиб, бир-биридан айирмоқ, жудо қилмоқ. *Нега шундай қилдинг, онажон, нега Адолатни мендан қочирдинг?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Кўнглига, дидига ёқмай ёки бошқа бирор сабаб билан ўзидан узоқлаштирмоқ. *Ҳозир унинг кўзига жувон бирон совуқлиги билан эркакни ўзидан қочирадиган қари қиз эмас, кўп йигитларни ўзига шайдо қилган.. бир нозанин бўлиб кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Яширин олиб кетмоқ, ўғирламоқ. *Йигирмалаб ҳар юртдан қиз қочирдим.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Уйимга қиз қочириб келишга кимнинг ҳадди бор?* Ойбек, Танланган асарлар.

Гап қочирмоқ Ҳазил-мутойиба, киноя ёки шама қилиб гапирмоқ. *Афанди либосларни кўтариб, терлаб борар экан, подшо гап қочирди.* «Латифалар». **Кўздан қочирмоқ** *қ.* **кўз 2**.

ҚОЧИРМОҚ II **Қочмоқ** II фл. орт. н. *Султон сигирни қочириб келгандан кейин, томга қамиш босиши керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шербек эгар қошидан сумкасини олди-да, сунъий қочириш пунктига қараб юрди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚОЧИҚ 1 *кам қўлл. айн.* **қочоқ**. *Ҳайдар ота уста Мўминнинг дўконига чиқса, бир бегона киши дам босиб ўтирибди, суриштирса, «ултармалик қочиқ», дейишади.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Уришиб қочган, енгилган (асосан паррандалар ҳақида). *Бedananинг ҳаммаси қочиқ чиқди.* Ойбек, Болалик.

3 Бир-биридан қочган, узоқлашган; ораси очиқ. *Пол(нинг) тахталари анча қочиқ.* ▬ [*ЗАГС мудираси*] *Қаттиқ бош чайқади, энлик, қочиқ қошларини чимирди.* С. Анорбоев, Меҳр.

ҚОЧМОҚ I **1** Таъқиб, хавф-хатар ва ш. к. дан қутулиш учун (одатда, чопиб-югуриб) мавжуд жойини ташлаб жўнамоқ. *Бўрилар ўрмонга қараб қочди. От бўшалиб қочиб кетибди. Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас.* Мақол. ▬ *Мажлис ўтказсак, болалар қочиб кетмасин, деб эшик олдига қоровул қўйгудек бўламиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўчада югур-югур, шовқин, итлар вангиллаган, товуқлар қийқиллаб қочган.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Фашистлар дастлаб саросимага тушди-да, сўнг бирдан тирақайлаб қочди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Яшириниш, хавф-хатардан холи бўлиш мақсадида ўз (турган) жойи, маконини яширинча тарк этмоқ, бошқа ерлардан жой-макон қилмоқ, бошқа ерларга кетмоқ, ўзга ерларда бўлмоқ, юрмоқ. *Асрорқул ўшандан бери қишлоқма-қишлоқ қочиб юрар экан,* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Ҳеч бўлмаса,*

жонни сақла энди сан, Бир йўл топиб қочмоқ керак бу элдан. Ҳ. Олимжон. *Нега уйдан қочдинг?* «Ёшлик».

3 Бирор нуқтадан (жойдан) нари йўналмоқ, силжимоқ. *Марказдан қочувчи нервлар.* ▬ *Боши гир-гир айланар, деворлар ундан қочаётгандек эди.* «Ёшлик».

4 Оралиқ жой пайдо бўлмоқ ёки очиқ оралиғи узаймоқ (ёнма-ён, қатор жойлашган нарсалар ҳақида). *Пол тахталари бир-биридан қочибди. Тишлари бир-биридан қочибди.*

5 Ўзини четга олмоқ, дахл қилмаслик; четланмоқ; ажралмоқ; сақланмоқ. *Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.* Мақол. ▬ *Қаранг, бу ерда ҳам ишдан қочганлар топилибди.* Х. Тўхтабоев, Сирли қалпоқча. *Ўз қўли билан тупроққа қўйишдан қочган ярамас!* С. Аҳмад, Уфқ. *[Отабек] Бундай бўлмағур таклифни эшитмас(лик) учун ўзини четга олиб, отаси, айниқса, онасига йўлиқишдан қочиб юришга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Сидиқжон:] Яхши хотиндан одам қочадими?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У фалокатдан билиб қочган экансиз-да, болага, ўз боласига меҳри шу бўлса, ундан нима умид қилади киши?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 *кўчма* Тийилмоқ, сақланмоқ. *Умуман, адабиёт фани ўқитилганда, сийқаликдан қочиш керак.* Газетадан. *Юракни чарчатадиган ва заифлаштирадиган ҳолларнинг ҳаммасидан ҳам қочиш керак.* «Анатомия».

7 Уришиш, олишишда енгилмоқ (асосан, ҳайвон, паррандадар ҳақида**)**. *Кўчқор уриштирдик. Меники қочди.* ▬ *Нега қочган беданадай, писиб чирқиллайсан*? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 *этн.* Бегона эркакдан юзини беркитмоқ, яширинмоқ (хотин-қизлар ҳақида). *Тўғриси, Сорахон кишидан қочади.* А. Қаҳҳор, Сароб. [*Эъзозхон*] *Ўтап билан қиёматли ака-сингил тутиниб, ундан қочмай қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Назирқул.. туз берган эшонга астойдил хизмат қилди. Эшон ая ундан қочмайдиган бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

9 Йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, кетмоқ. *Ернинг нами қочибди. Суви қочган нон. Унинг ранги қочди.* ▬ *Ҳасрат, алам, кудурат бутунлай қочган.* Ғайратий. *Хонадан файз қочиб, бирдан харобага айланди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Элмурод шундай ўйлар селида ғарқ бўлиб, уйқуси қочди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

10 Учи ичкари тортилиб йўқолмоқ (липпадан, парда, қоп оғзи ва ш. к. нинг тешигидан ўтказилган ип, боғ ва ш. к. ҳақида). *Боғи* (*ипи*) *қочиб кетган халта оғзини бўғиб ушламоқ.*

11 (*кел. зам. шаклида* – **қочмас** *ёки* **қочмайди)** Ўзи боғланиб келган сўз ёки сўз бирикмаси англатган нарсанинг ўрни (вақти) билан амалга ошишини, йўқ бўлмаслигини билдиради. *Зиёфат қочмас (қочмайди), аввал ишларни бир ёқлик қилиб олайлик.* ▬ *Чой қочмас.. Хайр, эсингдан чиқмасин..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Пахтани териб олайлик, дам олиш бўлса қочмас.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Зуҳра ҳали ёш, эрга тегиш қочмайди.* С. Зуннунова, Янги директор.

Аравани қуруқ олиб қочмоқ *қ.* **арава. Гўшти қочган** Ориқ, ориқлаган. *Ҳожия хола гўшти қочган кафти билан.. Светлананинг пешонасини силади.* В. Ғофуров, Вафодор. **Кайфи қочмоқ** *айн.* **кайфи учмоқ** *қ.* **кайф. Кўздан қочмоқ** Эътибордан четда қолмоқ. [*Зокир ота*:] *Мен сизга айтсам, катта кўрмаганни кичик кўради, кичик кўрмаганни катта кўради, иккаласи бирлашиб қараса, ҳеч нарса кўздан қочмайди, дейди халқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Мазаси қочмоқ** 1) *айн.* **тоби қочмоқ** *қ.* **тоб.** *Менинг сал мазам қочиб турибди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар; 2) ёмон, салбий томонга ўзгармоқ. *Даромаднинг мазаси қочди.* ▬ *Далада ишнинг мазаси қочди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Олиб қочмоқ** *с.т.* Ортиқ муболаға қилмоқ, оғзини кўпиртириб, ошириб гапирмоқ, сафсата сотмоқ. **Орада гап қочмоқ** *айн.* **(орада) гап ўтмоқ** *қ.* **гап. Оғзининг таноби қочмоқ** *қ.* **оғиз. Сафар қочди** *қ.* **сафар** II. **Тоби қочмоқ** *қ.* **тоб**. **Хаёл** (*ёки* **уй) олиб қочди** Хаёл (ўй) ҳар томонга олиб кетди. *Қиммат холани хаёли олиб қочди: -Ўзим ўйлаганим келиб чиқди.. Саодат шундай данғиллама уйда бир ўзи турармишми*? Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Бир ўй олиб қочмасин, занжир ҳалқаларидек бир-бирига уланиб, чиқиб келаверади.* Т. Ашуров, Оқ от. **Ўзини олиб қочмоқ** *айн.* **ўзини четга олмоқ** *қ.* **чет.** *Кулиб туриб, қизларга ярашиб тушган бир уятчанлик билан ўзини олиб қочмоқчи бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қочиб кетмаган** *ёки*

қочиб кетибдими Ораси яқин, узоқ эмас. *Оҳангарон қочиб кетмаган бўлса ҳам, боришга имконият топа олмаяпти.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қўшариқ қочиб кетибдими, қош қорайгунча етиб оламан..* С. Зуннунова, Гулхан.

ҚОЧМОҚ II Бўғоз, ҳомиладор бўлмоқ (ҳайвонлар ҳақида).

ҚОЧОҚ 1 (*одатда кўпл. шаклида* — **қочоқлар**) Бирор фалокат, сабаб туфайли ўз жойи, ватанини ташлаб қочиб, ўзга жой, юртда кезувчи, бўлувчи шахс(лар). *Афғонистонга қайтиб келаётган қочоқларга ёрдам бераётгани тўғрисида ҳар куни хабарлар келмоқда.* Газетадан.

2 Бурчини адо этишдан ўзини четга олган, бўйин товлаган, қочган (шахс). *Қочоққа садоқат йўқ, қўрқоққа — ҳурмат.* Мақол. ▬ *Энди кўрасан мендан! Қочоқ! Сотқин!* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

3 *айн.* **қочқин 1.** *Қочоқларни қувиб бораётиб: «Майли, қочиб борар экан.. охири ҳолдан тоядилар-ку!» деяр экан Эргашев.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 *кам қўлл. айн.* **қочқоқ 2, 3.** *-Ҳа, қочоқ! — деди* [*Элмурод*] *унинг қўлини қисиб ва эшикка қараб қўйиб деди: -Қайлиғинг қани?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚОЧҚИН 1 Жазодан ёки жазо ўрнидан, тутқунликдан қочган киши. *Отлиқлар миршаб билан бирга қочқинларни қўлга тушириш учун чўл томонга от суриб кетдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 *айн.* **қочоқ 1.** *Қаёқдандир душман самолётлари пайдо бўлиб, қишлоқ устида ва чодир тикиб ётган қочқинлар тепасида айлана бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *айн.* **қочоқ 2.** *Унинг яккаю ягона ўғли қочқин — хоин бўлиб чиқади. Бу ҳол Икромжон қалбига зўр изтироб солади.* У. Норматов, Мусибат ва матонат.

ҚОЧҚИНЛИК 1 Қочиб юриш.

2 Қочиб юрган ердаги, шароитдаги ҳаёт.

ҚОЧҚИНЧИ *с.т.* Қочқин, қочоқ. *Қанчаси ярадор-майиб бўлади, Қочқинчиси шоҳ қошига боради.* «Ширин билан Шакар».

ҚОЧҚИР Тутқич бермай қочадиган, чопағон, чопқир. *Қочқир от. Қочқир қуён.*

ҚОЧ-ҚОЧ Ҳар томонга тўс-тўс бўлиб қочиш ва шу ҳолат, кўринишнинг ўзи. [*Одамларнинг*] *Юзида неча кунлик азоб ва уқубат, «қоч-қоч», ғамнинг доғи кўриниб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚОЧҚОҚ 1 Қатъиятсизлик билан ўзини четга оладиган, қочиб қоладиган; қўрқоқ.

2 Билдирмай қочиб кетган ёки кетадиган. [*Ҳасанали*:] *Қани, ойи, кўрманани берингчи, мен сизнинг қочқоқ келинингизни тутиб келдим*! А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Санобар*:] *Қаёққа ғойиб бўлдиларинг? Қочқоқлар! Қани, ўтиринглар.* Н. Ёқубов, Бўсағада.

3 *кўчма* Ваъдани бузиб, ундан бош тортиб қочган киши.

ҚОШ 1 Қовоқ тепасидаги ёйсимон тукли қатлам. *Қуюқ қош. Пайваста қош. Қош(ни) бўямоқ. Қош(ни) термоқ. Қош*(*ни*) *чимирмоқ. Қош*(*ни*) *қоқмоқ.* ▬ *Самандаров бир қоши паст ва бир қоши баланд бўлиб, ўчиб қолган махоркасини чироқдан тутатиб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Ҳой-ҳой, — котиб туташ қошларини учириб қўйиб, Акбарга кўз қисди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

Қош кўяман деб кўз чиқармоқ Яхши, фойдали иш қилиш учун уриниб, ёмон, хато иш қилиб қўймоқ, тузатаман деб бузмоқ. *У Назокатнинг олдига кириш учун шунча хезланарди-ю, бироқ қизишиб турган бир пайтда яна қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишдан ҳайиқарди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

2 Баъзи нарсаларнинг олд қисми, туртиб чиққан жойи. *Айвоннинг қоши.* ▬ *Хизматкорлар қўлтиғимдан кўтариб, отга мингаштирмоқчи бўлганларида, оёғим узангидан тойиб, бурним эгарнинг қошига тегиб кетди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

3 Узук, исирға каби буюмларга ўйиб солинган ёйсимон гул — безак. *Канизларнинг қўлларида қошлари бриллиант олтин билагузуклар, бўйинларида зебигардонлар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 (*3-ш. эгалик ва макон келишиклари шаклида* — **қошига, қошида, қошидан**) *кўм. взф.* Макон муносабатларини билдиради. *Ҳеч ким раҳм айламас қонли ёшимга, Шакар ака, келгин менинг қошимга.* «Ширин билан Шакар». *Қошимдан ноз-истиғно билан кетдинг, ёмон бўлди, Қошимга ноз-истиғно билан келсанг, ёмон бўлмас.* Ж. Камол. *Уч қизим бор, бир ўғлим бор қошимда, Бахту давлат келди етмиш ёшимда.* Ҳабибий.

Қош қорайди Кеч кирди, оқшом қоронғиси туша бошлади. *Қош қорайиб, одам одам-*

ни танимайдиган бўлиб қолди. Ойдин, Чақалоққа чакмонча. *Ҳирот аҳолиси қош қорайиши билан кўча эшикларини ичидан занжирлаб олар эдилар.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

ҚОШИДАГИ Олдидаги, ёнидаги, ҳузуридаги; таркибидаги. *Ўрозали қушбегининг қошидаги амалдорларидан бошқа яна олти юз оломон одами бор эди.* «Ёдгор». *Институтни битирганимдан кейин мени шу институт қошидаги касалхонанинг хирургия клиникасида ишга қолдирдилар.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

ҚОШИҚ I Овқат ейиш ёки ичиш учун ишлатиладиган рўзғор буюми. *Ёғоч қошиқ. Кумуш қошиқ. Чой қошиқ. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар.* Мақол. ▬ *Сулаймонов қаймоқдан бир қошиқ олиб ичди-да, бирдан афти бурушди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун.

Ёмондан ёрти қошиқ Охиригача еб-ичиб қўймай, озгина қолдирилган ҳолатга нисбатан айтиладиган ибора.

ҚОШИҚ II Ўзбек, рус ва б. халқларда, асосан, рақслар жўрлигида усул берувчи урма мусиқа чолғуси.

ҚОШИҚДОН Қошиқ солиб қўйиладиган идиш. *Чол.. [йигитнинг] қўлига қошиқдон саватни бериб, мева-чевага юборди.* А. Қаҳҳор, Картина.

ҚОШИҚЛАМОҚ Қошиқ билан олмоқ; қошиқ билан ўлчамоқ. *Ошни қошиқ билан емоқ. Шакарни қошиқлаб солмоқ.*

ҚОШИҚЧИ 1 Қошиқ ясайдиган уста.

2 Қошиқ сотувчи одам, қошиқфуруш.

ҚОШИҚЧИЛИК 1 Қошиқчи иши, касби.

2 *тар.* Қошиқчилар растаси ёки маҳалласи.

ҚОШ-ҚОВОҚ 1 Қош ва қовоқ; қош ва қовоқлар.

Қош-қовоғи солинмоқ (*ёки* **осилмоқ**) Норозилик ёки хафалик ифодалаб хўмраймоқ. *Тешабойнинг авзойи бузилди. Қош-қовоғи тамоман солинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма айн.* **қовоқ-димоғ.** *Кимнингдир қош-қовоғига қарашга.. ёмон кўринишга тўғри келади.* Газетадан.

ҚОЯ 1 Қаттиқ, туб жинслардан иборат тик кўтарилган чўққи, жарлик, тепа (асосан, нураш натижасида қаттиқ тоғ жинсларининг очилиб, ер юзига чиқиб қолишидан ҳосил бўлади). *Бу — Кўҳисиёҳ, унинг остида яланғоч қўнғир қоялар силсиласи.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Жилғанинг бошида катта бир қоя бор. Қоянинг паст-баланд тошлари, ўрганмаган кўзга узоқдан одам ва ҳайвон шаклларида кўринади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Болалар, тоғ қоялари ва тошлардаги дарзлар ҳам мана шу йўсинда ҳосил бўлганини кўз олдиларига келтирар эканлар, сув билан совуқнинг бу қилиқларига ҳайрон қолишди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ботаётган қуёш қояларнинг учларини алвон рангларга бўяди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Баланд тик тош; қоятош. *Госпиталь биноси денгиз тўлқинида омон қолган қоядай атрофдаги харобаларга ачиниб қараётганга ўхшарди..* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 *кўчма* Суянч, таянч, ҳомий бўлувчи шахс. *Айрим ҳолларда иложсизлик қилди, суянадиган қояси бўлмаганиданми, эзилиб турибди.* «Ёшлик».

ҚОЯГИРЛИК *кам қўлл. айн.* **альпинизм**. *Анна бир муддат қоягирлик машғулотларига ҳам қизиқиб кўрди.* «Жаҳон адабиёти».

ҚОЯТОШ *айн.* **қоя 2.** *Акбар баланд қоятош устида турарди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Баланд қоятошлар билан текис воҳалар бирбирига ғалати тарзда киришиб кетган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚОҚ I **1** Жуда ҳам қуруқ, қуриган, сира ҳам нами қолмаган. *Қоқ нон. Қоқ қуруқ ўтин.* ▬ *Амма.. қоқ гўшт олиб тушиб, ўчоққа ўт ёқди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Қоқ чўкиртакларнинг керосин сепгандай читир-читир этиб ёниши қизиқ туюлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ўртадаги деворни бузиб, қоқ кесагини токларнинг тагига солишибди.* С. Аҳмад, Туйнук.

2 Жуда ориқ, этсиз, териси суягига ёпишган. *Элгелди унинг қора таёқни маҳкам чангаллаган қоқ қўлларига тикилиб, орқага тисарилмоқчи эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Унинг ёнида ўрта бўйли, қоқ гавдали — ориқ, туси қорамтил.. иккинчи одам бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

Қоқ суяк 1) гўшти йўқ, фақат суякнинг ўзи; 2) жуда ориқ, эти суягига ёпишган. *Қоқ суяк қўллар.* ▬ *Ажабо, 56 центнер картошкани еган сигирлар ҳам шунақа қоқ суяк бўладими?* «Муштум».

3 *кўчма* Ҳеч нарсаси йўқ; қуруқ. *[Йўлчи:] Мен чиққанимда, уй қоқ эди: на бир сиқим ун, на бир қошиқ мой.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чўнтаги қоқ бўлган Абдулла ака ўзича, «эҳ диёнатсиз, ақалли тийинини ҳам қолдирмабди-я», деб уни эшиккача кузатиб қўйди.* С. Искандаров, Товламачи.

4 Нақ ўртасидан; тенг. *Агар мурувват қилсанглар, жилла бўлмаса, бу йилча меваларни қоқ бўласизлар-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзи топган «капсан» ва «чўтал»ларнинг қоқ ярмини бошлиқларга беради.* «Муштум».

5 *шв.* Қуритиб олинган; қуритилган (баъзи мева, полиз маҳсулотлари ҳақида). *Сутли гўжа ичиб, қоқ ўрик билан жийда-пийда еб, қишни чиқардик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚОҚ II *юкл.* Худди, нақ, аниқ, айни. *Қоқ пешин. Шаҳарнинг қоқ ўртасида. Қоқ ярим кечада.* ▬ *Бутун жонзотга ҳаёт берувчи қуёш эрта билан кўтарилади-ю, қоқ тушга келиб, тик туриб олади.* «Олтин бешик». *Қиз уйғонди қоқ саҳар пайти.* Ё. Мирзо. *Қуёнқочди трассанинг қоқ киндиги ҳисобланар, эллик километр узунликдаги масофани эгаллаган бўлиб.. участка аъзолари шу масофани қўлдан чиқариб беришлари мумкин.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚОҚВОШ [*тўғриси* қоқ бош] *с.т.* **1** Миясида, калласида ҳеч нарса йўқ; миясиз, ақлсиз. [*Жамила:*] *Оббо, қоқвош-эй, сен белингни боғлагунингча, Шокирвой пахтасини ундириб, териб ҳам олади.* Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинглар. *Бу қоқвош «шу ишингиз нотўғри», дейиш билан-ку Ҳожининг қорнига қозиқ қоққандек бўлган эди, яна «хўмраймангг», дегани нимаси.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

2 Ўтакетган хасис, зиқна. *Эсизгина, гулдай умрингиз кулбаи вайронада ўтиб кетяпти, сизни хўп авраб ишлатяпти бу қоқвош чол.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҚОҚИ I Қуриган, қуритилган мева, гўшт ва ш. к (уларни узоқ муддат сақлаш усулларидан бири). *Олма қоқи. Шафтоли қоқи. Қоқи солмоқ. Қоқи қилмоқ.* ▬ [*Табиб*] *Нон қоқиси еб, қуюқ фамил чой ичиш лозимлигини айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Улар тугунларини ечишди, қовун қоқи ва гўшт қоқиларни ўртага қўйишди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Қоқи баҳоси Жуда арзон: сув текин; икки пул. *Қоқи баҳосида сотиб олмоқ.* ▬ *Бошига манманлик кибр-ҳавосидан бошқа нарса сиғмайдиган.. раисни ҳозир колхозчилар қоқи баҳосига ҳам олмай қўйишган.* «Муштум».

ҚОҚИ II, **қоқигул, қоқиўт** Сариқ тўпгулли, сут ширали, қуригач, уруғли тўзғоғи шамолда учиб кетадиган кўп йиллик ўт; момақаймоқ. *Нораликнинг қўлидаги қизғалдоқ, қоқи, чучмомаларни кўрди-ю, қўзичоқдай сакраб, унинг олдига келиб тўхтаб қолди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Бойваччалар уйининг даричаси тубида Сопол тувакчаларда ўсган қоқигул бўлур.* Ғ. Ғулом.

ҚОҚИЛМОҚ I **Қоқмоқ** фл. мажҳ. н. *Деворга қоқилган мих. Томига тунука қоқилган уй.* ▬ *Хонада ўнтача эски, чанг босган парта, кираверишдаги деворга каттакон қора тахта қоқилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳасан ота айтгандек, ўртага қозиқ қоқилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр бачкана маҳсилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

Қоқилиб ўтирмоқ Қимирламай ўтирмоқ (ўтириб қолмоқ). *..ҳамма иш билан банд, жамоа раиси Салимов худди қоровулдай қоқилиб ўтирибди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҚОҚИЛМОҚ II **1** Юраётиб, оёғи учини бирор нарсага уриб олмоқ ва шунинг натижасида мункимоқ. *Қоқилсанг, тошдан ўпкалама!* Мақол. ▬ *Ўйлаб кетаётиб, тошга қоқилиб кетдим.. бош бармоғимнинг тирноғи кўчиб, четидан қон сизиб чиқди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Сирож тротуардан туртиб чиққан ғиштни кўрсатиб, қизни огоҳлантирди: -Эҳтиёт бўлинг, қоқилиб кетиш мумкин.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 *кўчма* Янглишмоқ, хато қилмоқ; шу тарзда панд емоқ, ночор ҳолатга тушмоқ. *Бу Викторнинг иккинчи марта қоқилиши.. Олдинги сафар танбеҳларсизоқ бир оз эсини йиққан эди.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди. *Ҳозирча у қоқилмай, обрўсига путур етмай келяпти.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 *кўчма* Бирор нарсадан, жиҳатдан қийинчилик, муҳтожлик сезмоқ. *Пулдан қоқилмоқ.* ▬ *Гапнинг сираси шуки, қизнинг молини тўлатаман, деб отангиз бир оз қоқилиб қолдилар.* «Муштум».

ҚОҚИМ *этн.* Афсун ўқиб ва беморнинг аъзойи баданини, қўл, оёқ, бел, бўйин, қулоқларини уқалаш йўли билан «даволаш» усули.

ҚОҚИМЧИ Қоқим қилиб «даволовчи» табиб. *Бир мен ўзим қоқимчи, Ҳам эмчиман, аласчи, Бер, бер, бер, бер, бер!* Ҳамза. *Бор экан, йўқ экан, қарға қоқимчи, чумчуқ чақимчи экан.* «Эртаклар».

ҚОҚИНДИҚ 1 *этн.* Қоқим қилиб «даволаш»да беморнинг баданига уриб, бошидан айлантириб садақа қилинадиган ёки қоқимчи олиб кетадиган нарса, садақа.

2 *х.-қ.* Жоним тасаддуқ, садақанг бўлай. *Ахир, биз ҳам отанг билан кўзимиз ёруғлигида сенинг орзу-ҳавасингни кўрсак деймизда, онанг қоқиндиқ.* Ҳ. Зиёхонова, Кўнгил. *Бўйингиздан опангиз қоқиндиқ, агар шунчалик айтмасангиз, бир бечора қиз оёғости бўларкан.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *-Вой, онагинанг айлангур, бўйгинангга қоқиндиқ бўлай, — деб Шарофатбиби узоқ вақт бағридан Комилани қўймади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Бор, дўмбоққинам, бор, қоқиндиқ, бор, ўйинингни ўйна..* А. Мухтор, Чинор.

ҚОҚИНМОҚ 1 Қоқмоқ фл. ўзл. н. *Тўрқовоқ ичида эски туллак ҳам Қоқинди, чўқинди, сайраб бир нафас.* Ғ. Ғулом. *От бутун гавдасини силкиб қоқинди-да, чуқур нафас олиб иҳради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *айн.* **қоқилмоқ 2.** *Кўкка қараган қоқинар.* Мақол. *Отнинг тўрт оёғи бўлса-да, қоқинади.* Мақол. ▬ *Содиқ мингбоши деҳқоннинг тарвузига қоқиниб кетди.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

3 *кўчма айн.* **қоқилмоқ** II **2.** *Билимсиз киши қоронғида адашиб юрган одамга ўхшайди. Бундай одам тез қоқинади.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *Алиқул узоқ умрида бир эмас, бир неча қоқиниб, бир неча йиқилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚОҚИРИМ Қатиқ ва қалампир солинган қуруқ суюқ овқат (одатда тумовни, шамоллашни даволаш учун истеъмол қилинади). *Унча-мунча бетобликни қоқирим ёки гиёҳларнинг гули ва томири билан енгиб келган.* И. Раҳим, Ихлос.

ҚОҚИШМОҚ Қоқмоқ фл. бирг. н. *Улар туриб, этакларини қоқишди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Йигитлар катта қўрғоннинг текис майдончасида терларини артиб, чангларини қоқишиб, ўзларини тартибга солиб олдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚОҚИШТИРМОҚ Ҳеч қолдирмай, борйўғини йиғиштирмоқ, тўпламоқ, қириштирмоқ. *Бундан уч йилча олдин, Қирмизхонни қўрқитиб, отпуска пулини қоқиштириб олгани эсига тушди-да, ўз-ўзидан қизариб кетди.. Эр бўлиб, бир тийин бериш у ёқда турсин, қўлидагини ҳам қоқиштириб олади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳайдар.. муюлишга етмай, стипендиясидан қолган бор-йўқ пулини қоқиштириб, шофёрга берди-да, ўзи ётоққа қараб пиёда кетди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

ҚОҚЛАМОҚ 1 Қоқ қуритмоқ, қуритиб қоқ, сур қилмоқ. *Гўшт қоқламоқ.* ▬ *-Бизни шўлонга қамаб, балиқдай қоқлагани учун худонинг ўзи қаҳрига олибди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 *кўчма* Сира ҳам қолдирмай, таг-туги билан йўқ қилмоқ, бор-йўғини қуритмоқ. *..сизнинг омборларингизни ҳам йигитларга талатиб, қоқиб.. чиқиб кетишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Унинг маъракаларини ўтказиш учун уйимизни қоқладик, қарзга ботдик.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қоқи қилмоқ. *Онама айтинглар, қовун қоқласин, Қовуннинг қоқи(си)ни уч ой сақласин.* «Қўшиқлар».

ҚОҚМОҚ 1 Зарб билан киритмоқ (қозиқ, мих кабилар ҳақида). *Ерга қозиқ қоқмоқ. Ёғочга мих қоқмоқ.* ▬ *Унгур чуқурлашган сари қозиқлар шу зайлда қоқиб борилса, йўлдан адашмаймиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [*Унсин*] *Ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга шон қоқади, шондан туширади, пардозлайди, қорагул, лок суркайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Михлаб ёпиштирмоқ, маҳкамламоқ. *Пол қоқмоқ. Отга тақа қоқмоқ. Томга тунука қоқмоқ.* ▬ *Нима учун деворларга гилам қоқмадинглар*? М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нима бўлди-ю, ҳеч ким билан кенгашмай.. правлениенинг эшигига шундай бир эълоннома қоқиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Уриб овоз чиқармоқ, тақиллатмоқ, дукиллатмоқ. *Ҳамма ухлаганда, у муллаваччанинг ҳужрасини қаттиқроқ қоқсангиз, ҳаммасини кўрасиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Самандаров.. қаламнинг орқаси билан столни қоқиб, ғовурни босди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [*Шарофат*] *Уйнинг нариги деворини қоқиб, қўшнини чақириш учун ўрнидан аранг турди.* Ҳ. Зиёхонова, Арзанда.

4 Елкага ёки орқага кафт билан секингина урмоқ, шаппатиламоқ. *Керишаётган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб: -Кетдикми, Деҳқонбой! — деди ўзбек тилида бир жангчи.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Бобом мени қаттиқ қучиб, қўли билан орқамни бир-икки қоқади, тағин ишга тутинади.* Ойбек, Болалик.

5 Уриб, чертиб, силкитиб ва б. йўл билан ичидаги, устидаги нарсани туширмоқ, шу йўл билан тозаламоқ. *Гиламнинг чангини қоқмоқ. Илиқ қоқмоқ. Бурнини қоқмоқ. Дастурхонни қоқмоқ. Кийимларни қоқмоқ. Телпакнинг қорини қоқмоқ.* ▬ *У этакка илашиб қолган пахталарни қоқаётганда, бошидаги чопон бирдан сирғалиб, тушиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Имом, тўполонда бошидан тушиб, тупроққа қоришган салласини қоқиб-қоқиб, қайтадан ўраркан, ўз қавмига ваъз-насиҳат қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз келгунингизча, мен кўрпачаларингизни қоқиб, супуриб қўяман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Уриб ёки силкиб, меваларни туширмоқ. *Жийда қоқмоқ. Олма қоқмоқ. Шафтоли қоқмоқ.* ▬ *Саломатнинг онаси элликбошининг боғидаги азим туп ёнғоғини қоқаётганда, йиқилиб ётиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Мен сизга айтсам, баҳорда гул териб, кузда ўрик қоқиб бериб, кўнглини олиб юрдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Бирор аъзони силкитмоқ, қимирлатмоқ. *Қошини қоқмоқ. Қанот қоқмоқ.* ▬ *Шакар буви белини ушлаб, кифтини қоққанча бобиллади.* Ҳ. Назир, Томоша. *Раис дарров ўрнидан турди, бир қўлини орқасига қўйиб, иккинчи қўлини боши узра камалак қилиб, икки-уч елка қоқди-да, шундай йўғон гавдали бўлишига қарамасдан, беданадай йўрғалади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 *кўчма* Ҳолдан тойдирмоқ, толиқтирмоқ. *-Юр бизникига, — таклиф этди раис, — андак дам ол, бирга овқатланайлик, машина кишини қоқиб қўяди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Йўл қоқиб, ўзи адойи тамом бўлган-у, кетидаги Зулхумордан номус қилганидан ҳам йўлдан қолмай чидаб боради.* М. Мансуров, Ёмби. *Кеча мени от қоққан экан, ўрнимга киришим билан қотиб ухлабман.* А. Қодирий, Улоқда.

9 *этн.* Қоқим қилмоқ, қоқим қилиб «даволамоқ». *Ҳакка келиб чўқисин, Мулла келиб ўқисин, Қоқимчи келиб қоқсин, Кўзинг сув бўлиб оқсин.* «Фольклор».

Жонимни қоқай Айланай, ўргилай, тасаддуғинг бўлай. *Ўтиринг, айланай, ўтира қолинг, жонимни қоқай.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Жонини қоқмоқ** Жонини, ўзини фидо қилмоқ. *Табассум-ла икки ёш ерга боқиб, Она хизмат қиларди жонин қоқиб.* М. Алавия. **Им қоқмоқ** Бош ирғатиб, им (имо) билан ишора қилмоқ. *Сеитов секретарга «чақиринг», дегандай им қоқди.* «Муштум». *Қизлар «бу нима экан», деб бир-бирларига им қоқишди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. **Киприк қоқмоқ** 1) киприкларни пирпиратиб, кўзни очиб юммоқ. *Секретарь қиз кўзларини сузиб, бир-икки киприк қоқди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи; 2) *бўлишсиз шаклда* — ухламаслик, кўз юммаслик. *Тонг отганда киприк қоқмасдан, Тағин қир бағрида ҳозир бўламан.* Миртемир. **Мижжа қоқмаслик** *айн.* **киприк қоқмоқ 2.** *Бўрон бўлиб, кучли ёмғир қуйди, бригадир мижжа қоқмай дала айланди.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Мияни (***ёки* **қулоқ-мияни) қоқиб қўлга бермоқ** Кўп гап гапириб, жавраб, жонига тегмоқ. *Тошкентдан ян-янги машина олиб келиши ҳақида мақтанавериб, миямизни қоқиб қўлимизга берди.* И. Раҳим, Занго-ри кема капитани. *Биродарлар, Рихсиев қулоқ-миямни қоқиб қўлимга берди..* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. **Оғзига қоқмоқ (***ёки* **урмоқ)** Гапини бўлмоқ, гапиртирмаслик. *Дарсига тушунмай савол берсанг, дарров оғзингга уради.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. **Сим** (*ёки* **телефон) қоқмоқ** *с.т.* Телефон орқали сўзлашмоқ; телефон қилмоқ. *Исфандиёрга сичқоннинг уяси минг тилла бўлди. У кетма-кет Тошкентга сим қоқар эди.* С. Сиёев, Аваз. *Муродова Қосимовга, Қосимов эса бошқармага телефон қоқа бошлади.* И. Раҳим, Ихлос. **Танда қоқмоқ** *кам қўлл. айн.* **танда қўймоқ 2**. *қ.* **танда.** *Тикувчилик артелига танда қоқавериб, ишдан қоладиган бўлди..* Ғайратий, Довдираш. **Четга қоқмоқ** Назарписанд қилмаслик, пастга урмоқ. *Кейин Гулнорга худо беради, у эрка-арзанда хотин бўлиб.. кўнглига нима келса, шуни қилади, бизни ҳар нарсадан четга қоқади, балки бошимизда ёнғоқ чақади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Этак қоқмоқ** Баҳридан ўтмоқ; кечмоқ. *-Тортавер аравангни ўзларинг! — дедим-да, этак қоқиб чиқиб кетдим.* М. Абдукаримов, Чигал ёзилди. *Кўнса, кўнди,*

кўнмаса, этагимни қоқиб чиқаман-кетаман. С. Аҳмад, Уфқ. **Эшик қоқмоқ** 1) эшик тақиллатмоқ. *Машинадан тушиб, ўймакорли жигарранг бир эшикни қоқдим.* У. Назаров, Одамлар; 2) *кўчма* яқинлашиб қолмоқ, яқинлашганидан (келганидан) хабар бермоқ. *Илғорлар учун буйруқ кузда берилган эди.. баҳор эшик қоқяпти, «қанисиз, опа?» дейди.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. **Қанот қоқмоқ** *қ.* **қанот 1.** *Ўй-хаёлим Ватан бўйлаб қоқади қанот!* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. **Қулоқ қоқмоқ** 1) қулоқ солмоқ. *Ёшларингга арз этармишсан: «Қачон тугар ёримнинг жанги?» Ёш демишки: «Ғарбга қулоқ сол, Келаётир зафар оҳанги».* Т. Тўла; 2) қулоғига етказмоқ; айтмоқ. *Доно халқимиз ҳам бу ҳақда ҳамиша қулоғимизга қоқиб туради: «Гўзаллик юзда эмас, ақлда!»* М. Исмоилий, Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак; 3) эътироз билдирмоқ, қаршилик қилмоқ. *Ҳожи она менинг онам бўлади! Кимки онамнинг сўзига қулоқ қоқса, хафа қилса, ундай хотин менга — талоқ.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Жонкелди, ўлиб турган экан, қулоқ қоқмай, хўп деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚОҚТИРМОҚ Қоқмоқ фл. орт. н. *Уйга пол қоқтирмоқ. Отга тақа қоқтирмоқ.* ▬ *Холмирза ака отга жабдуқлар олиш, аравага темир қоқтириш учун шаҳарга тушиб кетади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Энг четдаги қозиқдан унинг ёнидаги иккинчи қозиқ орқали қараб, учинчисини қазиладиган унгур оғзига қоқтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Уч марта товуқни қучоқлаб қоқтиргин, чиллаёсин қилдиргин.. — деб қўярда-қўймадилар.* Ойдин, Чақалоққа чакмонча.

ҚОҚШОЛ I Ориқликдан қоқ қуриб қолган, қоқ қуруқ, қуруқ суяк. *Она яна қоқшол қўллари билан ўғлининг елкасини силади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У тиззаларини қоқшол қўллари билан қучоқлаб, исқирт кўрпача устида бамайлихотир ўтирар.. эди.* М. Осим, Элчилар. *Қоқшол киши қўлини кўтариб, уни тўхтатди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ҚОҚШОЛ II *тиб.* Одам ва ҳайвонларда организмга терининг жароҳатланган еридан кириб, ўзидан заҳар ажратиб, бутун организмни заҳарловчи таёқча шаклидаги алоҳида микроб қўзғатадиган ўткир юқумли касаллик (бемор камалакдек эгилиб қолади ва ҳар қандай ташқи таъсирдан тиришиб қолаверади). *Султоннинг оёғи шишиб кетди.. Мадали ака: -Ҳозир дарров укол қилмаса, қоқшол бўлиб қолади, — деди-да, дори сумкасини тита бошлади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚОҒОЗ [*ф.* كاغذ — қоғоз; хат; ҳужжат, гувоҳнома] **1** Асосан ёзиш, расм солиш, китоб, журнал, газета ва ш.к. босиш ҳамда бошқа мақсадларда ишлатиладиган, ёғоч, эски-туски ва ш. к. дан тайёрланадиган юпқа материал. *Газета қоғози. Ёзув қоғози. Ўров қоғози.* ▬ *Республикамизда қоғоз ишлаб чиқариш узоқ тарихга эга.* «Фан ва турмуш». *Ҳозир қоғоз, босмахона.. харажатлари учун пул етишмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзида тап-тайёр мисраларни қоғозга туширишга шунчалик шошасанки, охирида ўз дастхатингни ўзинг ўқиёлмасдан қийналасан.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. ..*бурчакдаги китоблар билан тўлиқ шкаф устида ўроғлиқ чертёж қоғозлари ётар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Нажмиддин Бухорий ҳам қоғозларни ёзиб, лойиҳани, мадрасанинг баъзи бўлак тасвирларини кўздан кечирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Маълум бир нарса, иш, воқеа-ҳодиса ва ш.к. ни қайд этувчи матн битилган ва қонуний кучга эга бўлган қоғоз; расмий ҳужжат. *Салимбойвачча қоғозни қўлда маҳкам сиқиб, ғурур билан давом этди: -Бу нарса қўлимдами, ҳар бир ишни қиламан, ҳеч ким бирон айбни бўйнимга қўя олмайди. Бу хат жиноятни савобга айлантиради. Ҳар ерда, ҳар ким олдида мени оқлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бироқ кўрилган чоралар ҳақида «юқори»га қоғоз керак эди.* Газетадан. *Мана бу қоғозга мадраса муллабаччалари, домлалар, мударрис, бойлар, юрт улуғлари имзо чекканлар.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Қоғоздан ишланган пул, қоғоз пул. *Кармонидан беш сўмлик қоғоз олиб, сандалга қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Ҳа, айланай, оҳори синмаган қоғозлар ҳамманиям ҳушини қочиради. Қачон олиб келибди? -Ҳозир бехабар 175 сўм олиб келган экан.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

Сув қоғоз *қ.* **сувқоғоз. Хитой қоғоз** *қ.* **хитой 2.**

4 (*ў-п. к. шаклида* — **қоғозда)** Фақат қоғоз, расмий ҳужжатлардагина қайд этилиб, амалда ижроси йўқ иш-фаолиятларга нисбатан қўлланади; шундай ҳолат, аҳвол-

ни қайд этади. *Кўп бўлимлар ҳозиргача вазифалари нимадан иборатлигини билмайди, тарқоқ, кўп ҳолларда қоғозда фаолият кўрсатади.* Газетадан.

5 *с. т.* Варақ, бет. *Мақола икки қоғоздан ошмасин.* ▬ *Сўнгги вақтларда мухбирлар, юборган хабарларининг биринчи қоғози устига «гонорарли», деб ёза бошладилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚОҒОЗБОЗ [*ф.* كاغذباز – бўлар-бўлмасга хат ёзишни яхши кўрадиган] Амалий иш ўрнига кераксиз ёзишмалар олиб бориш, қарорлар чиқариш билан овора бўладиган, шу тарзда ишлашни яхши кўрадиган шахс; расмиятчи. *Иш бўлмайди, кимки бўлса қоғозбоз, Қоғозбозлик билан ўтгай қишу ёз.* Ҳабибий.

ҚОҒОЗБОЗЛИК 1 Амалда эмас, қоғоздагина иш битириш, қоғозбоз каби иш тутиш. *Ҳурматли Тўқлиев ва Қораев ўртоқлар! Қоғозбозлик билан план сира юз бўлмайди.* «Муштум». *Бу министрликларнинг айрим шохобчаларида асосий ишдан кўра беппарволик, қоғозбозлик, уюшқоқсизлик авж олиб кетган.* «Муштум».

2 Ёзиш-чизиш, қоғоз-ҳужжат ва ш.к. билан боғлиқ ишлар. *У киши қайтгунча қоғозбозлик ишларини ўзинг тўғрилаб турасан.* О. Ёқубов, Излайман. [*Мирзажон*] *Кабинетда ўтириб, қоғозбозлик билан шуғулланишга ўрганмаган.* К. Раҳимов, Биринчи одим. *-Йўқ, йўқ, қўзғалма. Бугун қоғозбозликка сира тоқатим йўқ! – деди Амина опа Ҳалимага.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

3 Ёз-ёз иши (кимса ҳақида туҳмат, ғийбат ва ш.к. ни ёзиш). *Шу Қори ҳозир газета ходимининг ҳам пайига тушиб, қоғозбозлик қилиб юрибди.* Мирмуҳсин, Мусича одам.

ҚОҒОЗЖИЛД [қоғоз + жилд] *кам қўлл. айн.* **конверт**. *Қиз хатни буклаб, қоғозжилдга жойлади.* Н. Ёқубов, Жон.

ҚОҒОНОҚ Она қорнида, бачадонда болани ўраб турадиган парда.

ҚУББА [*а.* قبه – гумбаз; чодир] *архит.* Яримшар шаклидаги гумбаз. *Мезаналарнинг қуббалари. Бутхонанинг қуббалари.* ▬ *Тунука томли уйлар, ёғоч панжаралар, гилос, олма ва шафтоли; қават-қават иморатлар, баланд қад кўтарган минора ва қуббалар унинг кўз олдидан бирма-бир ўтаверди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Салқин тушди. Минораларнинг қуббаларида ўйнарди қуёш.* Э. Раҳим.

2 Умуман, яримшар (қубба) га ўхшатиб ишланган, шундай шаклга келтирилган нарса. *Каравот қуббалари чироқдай ёнади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бир шиша коньяк.. ва чиройли вазага қубба шаклида терилган апельсин келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аёлнинг сақичдай қора сочи икки қубба қилиб бошига турмалган.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу. *Агар бир гап чиқса, шу чўққига тошдан қубба қилиб, белбоғимни байроқ қилиб тикаман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *бол.* Тўртта ёнғоқни пирамида шаклида тикиб, узоқдан соққа билан уриб йиқитиш ўйини. *Қубба ўйнамоқ.*

ҚУББАЛИ 1 Қуббаси бўлган, қуббалари бор. *Абдуллахон солдирган қуббали тимнинг ичи ари инидек ғувуллар эди.* М. Осим, Элчилар.

2 Қуббалар билан безатилган. *Қуббали эшиклари кенг.. кўркам – ҳайбатли икки меҳмонхонанинг бирида Мирзакаримбой ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сувоқлари нураган, қуббали устунлари хийла қийшайган омбор эшигини бир одам қулфлаётганда, ойимни кўриб, орқасига ўгирилди.* Ў. Ҳакимали, Навбаҳор.

ҚУББАЧА 1 Қубба с. кичр.

2 *айн.* **қубба 2.** *Энли камарида олтин қуббачалар, йирик гавҳарлар.. оловланар эди.* Ойбек, Навоий. *[Алишер] Олтин қуббачалар, ўймакор гуллар билан безалган эшикни очиб, кичикроқ, лекин серҳашам бир хонага кирди.* Ойбек, Навоий.

ҚУБУР [*а.* قبور – «қабр» с. нинг кўпл.] *эск. кт.* Қабрлар; гўристон.

Аҳли қубур Қабрларда ётган марҳумлар. *Ассалом алайкум, аҳли қубурлар, Бир кеча манзил жой сиздан сўрайман.* «Алпомиш».

ҚУВ I **1** Макр-ҳийлага уста; ичидан пишган; муғамбир, айёр. *Олимхон бекор юриб тирикчилик қилишнинг ҳам яхши яшашнинг йўлини топган одамлардан. У жуда қув, мўлтони одам.* Ойбек, Танланган асарлар. *..уста, мен сизни содда деб юрардим, анча қув экансиз-а, тавба..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Қувлик ифодаловчи; айёрлик ифодали; айёрона. *Алимардоннинг юзида яна ўша қув*

табассум қалқди. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *У ўттиз етти ёшларда.. чуқур қув кўзларидан заҳар томган.. киши эди.* Ойбек, Нур қидириб.

ҚУВ II *айн.* **оққуш.** *Оқ қув. Қора қув. Қув қув билан учади, ғоз ғоз билан кўчади.* Мақол.

ҚУВ III: **ранги қув ўчмоқ** (*ёки* **оқармоқ**) Ранги оқариб, бўзариб кетмоқ. *Раҳимнинг ранги қув ўчиб, ғиқ этмай қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *У орқасига тисарилди, тошойнада.. ранги қув ўчиб, кўкариб кетган ўзининг башарасини кўрди-ю, бу хаёл эканини тушунди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Валихон қоғозга қўл чўзди. Майнанинг ранги қув оқариб кетди, қўллари титрай бошлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҚУВ IV *унд. с.* Қушлар галасини ҳайдашни билдиради. *[Иқбол:] Чумчуқлар ўлсин, уйлари куйсин. Ҳай, гала-гала қув.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ҚУВ V *шв.* Чақмоқ учқунидан ўт олиб ёнадиган махсус пилик, пилта. *Меҳтарага сув солиб, Чақмоғига қув олиб, Йўлга тушди Ҳасан мард.* «Равшан».

ҚУВАЛАМОҚ *кам қўлл.* **1** *айн.* **қувламоқ.** *Бузуқ ерда олқорларни қувалаб Мерганлардан Навфал илгари ўтди.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Бир-бирини қувмоқ, қувлашмоқ. *Кўзингиз экранда, кадрлар бир-бирини қувалаб ўтиб турибди.* К. Ёрматов, Кино санъати ҳақида. *Шу зайлда йиллар ўтди қувалаб. Толе кўки бахт юлдузин кўрсатмай.* Ғ. Ғулом.

ҚУВАЛАШМОҚ Қуваламоқ фл. бирг. н. *Отга солсанг, беда сол: Қасир-қусур чайнасин. Қизинг бўлса, ёшга бер: Қувалашиб ўйнасин.* «Қўшиқлар».

ҚУВБОШ *с.т.* Айёр, қув. *Чамбилдадир асли душманнинг эли. Гўрўғли қувбошнинг тутинган ўғли.* «Зулфизар билан Авазхон».

ҚУВВА [*а.* قوّة – куч, қувват; энергия] *эск. кт. айн.* **куч**, **қувват**, **қудрат**. *Янги усул соғлиқни сақлаш қоидаларига тўла жавоб бериш устига, болаларнинг зеҳнларига, ўзлаштириш қувваларига яхши таъсир беради.* «Маориф ва ўқитувчи».

Қувваи жозиба 1) ўзига тортиш, жалб қилиш қуввати; жалб қилувчи, тортувчи куч. *Бир қувваи жозиба зиёратхонага қараб оёғимни тортаверди.* «Муштум»; 2) *физ.* тортиш кучи. **Қувваи нутқ** Нотиқлик маҳорати. *Султонмурод.. ўжар олимнинг илтифотини қозониш учун қувваи нутқини ишга солди.* Ойбек, Навоий. **Қувваи ҳофиза** (*ёки* **муҳофиза**) Эсда сақлаш қобилияти, хотира қуввати. *Менинг ўзим ҳам Устанинг бой ижодига, юксак талантига, қувваи ҳофизаси, сўзга бойлиги ва чечанлигига ҳайрон қолардим.* «Театр». *Фақирнинг қувваи муҳофизам озроқ, шунинг учун бу ерда фақат эсимда қолган хабарларнигина нақл қилурман.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *..автобиографик асар яратиш учун бахшилардаги кучли қувваи ҳофизанинг ва беқиёс бадиҳагўйликнинг ўзигина етарли эмас.* «ЎТА».

ҚУВВАТ [*а.* قوّت – куч, қувват; энергия] **1** Ҳаракат-фаолиятга олиб келувчи қобилият; ҳаракатланиш, ҳаракатлантириш қобилияти; куч. *..қирқ минг элат ичида бу қизга қуввати баробар келадиган эр йигит йўқ.* «Бўтакўз». *Қаридим, иш қилишга қолмади қувват.* Ғайратий. *Поезд борар.. қувватга тўлиб.* Ҳ. Пўлат.

Қувватга кирмоқ Соғаймоқ, куч тўпламоқ. *У [ҳаким-доктор] томиримни ушлаб, андак мулоҳаза қилди-да: -Сизники – косиб касал, далага чиқинг, баҳридилингиз очилса, қувватга кириб кетасиз, – деди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қувватдан кетмоқ** (*ёки* **қолмоқ**) Ҳолсизланмоқ, заифлашмоқ, куч-қуввати кетмоқ.

2 *айн.* **энергия.** *Электр қуввати.* ■ *Шу сувнинг қувватидан уйимиз ёруғлиги.* Қ. Муҳаммадий. *Улуғ кишилик ақли атомдаги қувватни Покиза умид билан қила ололди ижод.* Ғ. Ғулом.

3 *физ.* Бир вақт бирлиги ичида бажарилган ёки бажариладиган иш миқдори. *500 мегаватт қувватга эга бўлган гидростанция. Қувват бир секундда бажарилган ишдир.*

4 Корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари мажмуи. *Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан янги объектлар ҳам барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

5 Куч, чидамлилик. *Чириган ёғочнинг қуввати бўлмайди.*

6 *кўчма* Моддий, маънавий имконият; қодирлик, қурб; қобилият, лаёқат, билим. *«Ўч»да қаҳрамонларнинг ҳар иккаласи ҳам характер сифатида ўзларининг жозибадорлиги, маълум бир хислатларининг бўрттириб тасвирланиши билан китобхонни ўзига тортиб олиш қувватига эга.* М. Қўш-

жонов, Поэмадан романга. *Элмурод кимда қандай ўқиш асбоби борлигини текшириб чиққандан кейин, ўқувчиларнинг қувватини синашга киришди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Қуввати етмоқ (*ёки* **келмоқ**) 1) кучи етмоқ. *Уйла, болам, кимга келар қувватинг?* «Рустамхон»; 2) имконияти етмоқ, қурби келмоқ. *-Битта хотин олиб беришга қувватим етади, — деди Ботиржонга дадаси.* Қ. Мақсумов, Саодатли чаманда. *[Нури] Пул ва бойликнинг қувватига ишонгани учун, бу йўлни қулай деб топди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 *қ.* **калория.** *Бир пиёла чойдаги қувват бир бурда нонга тенг эканлиги ҳисоблаб чиқилган.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

8 *кўчма* Далда, мадад. *Арғамчига қил қувват.* Мақол. ▬ *Майин товуш эшитилди: -Келинглар.. раҳмат! Одамга одам қувват бўлади, минг раҳмат!* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Индамаса ҳам, шу ерда туриши, Ғуломжондан ниманидир кутиши йигит юрагига қувват берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУВВАТЛАМОҚ Маъқулловчи, ёнини, тарафини олувчи ёки тасдиқловчи фикр билдирмоқ, ёқламоқ, қўлламоқ, ҳимоя қилмоқ. *Бировнинг сўзини, фикрини қувватламоқ. Ташаббусни қувватламоқ. Қарорни қувватламоқ.* ▬ *-Ана у қизга ҳақ гапни айтдим, — деб Эргашойни қувватлади Шарофат хола.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Гулистон кексалари, гўё кечаси билан маслаҳатлашиб чиққандек, бир-бирини қувватлаб гапира бошладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚУВВАТЛАНМОҚ 1 Қувватламоқ фл. мажҳ. н. *Бу фикр кўпчилик томонидан қувватланди.*

2 Қувватга кирмоқ, қувват олмоқ. *..майли, бувингизни ман айтиб, олдириб келай бўлмаса, шояд кўриб, бир оз қувватлансангиз.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ҚУВВАТЛИ 1 Аниқловчи сўз билан қўлланиб, шу сўз англатган маънодаги (даражадаги) қувватга эгаликни билдиради. *Юқори қувватли электр симларини тортиш каби оғир юмушларни бажаришда қурувчиларнинг бирдан-бир ёрдамчиси ана шу вертолётлардир.* «Фан ва турмуш».

2 Қуввати меъёрдагига нисбатан ортиқ; кучли, бақувват. *«Эли қувватлининг бели ҳам бақувват бўлади», деб қўйди кўнглида.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ҚУВВАТСИЗ Кучсиз, куч-қуввати, дармони йўқ; куч-қуввати меъёрдагидан (нисбатан) кам; камқувват.

ҚУВВАТСИЗЛАНМОҚ Кучсизланмоқ, дармонсизланмоқ, куч-қувватдан қолмоқ. *Касалдан анча қувватсизланиб қолибди.*

ҚУВВАТСИЗЛИК Қувватсиз ҳолат; кам куч-қувватга эгалик. *Қувватсизликдан шикоят қилмоқ.*

ҚУВИЛМОҚ Қувмоқ фл. мажҳ. н. *Бўлмағур хаёллар миядан қувилди.* ▬ *Созандалар уйдан қувилибди, кетларидан мусиқа асбоблари бирин-кетин улоқтирилибди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚУВИШМОҚ Қувмоқ фл. бирг. н. *Турли миллат ўғлонлари бир тан, бир жон бўлишиб, ёвни юртимиздан қувишди.* ▬ *Улар бир-бирларини қувишиб ўйнашар.. яйрашар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУВИШТИРМОҚ 1 Қувишмоқ фл. орт. н.

2 Орқасидан қувмоқ, эргашиб юрмоқ. *Бола онасидан бир қарич ҳам жилмай, уни қувиштириб юради.*

3 *кўчма* Суриштирмоқ, пайига тушмоқ.

ҚУВЛАМОҚ Қувмоқ ёки қувлаб етмоқ. *Қўрққанни ажал қувлар.* Мақол. ▬ *[Фотима:] Анави Тўлаганнинг эркатойи! Минаман деб, ғозларни қувлагани-қувлаган.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Уйинг куйгур тасқара миршаблар изингга тушиб қувладими?* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз қувламасангиз, мен Марғилонга бормайман!* [*деди Кумуш*]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Йўғ-ей! — Бобоқул ўтирган ўрнида қўл силтади. Гўё бу билан бошидаги шубҳаларини қувламоқчи эди.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Умурзоқова*] *Қўшимча шуҳрат орқасидан қувлайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚУВЛАНМОҚ Қувламоқ фл. мажҳ. н. *Уста Олим.. Отабекнинг қутидор томонидан қувланганидан тортиб, шу кунгача Марғилонга етти-саккиз мартаба келиб кетганини.. сўзлаб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУВЛАШМАЧОҚ *бол.* **1** Етиб ёки тутиб олиш учун бир-бирини қувлаш ўйини. *Қишда болалар қорбўрон, қувлашмачоқ, хоккей ўйнашади, ернинг нами селгиши билан футбол бошланади.* Ф. Мусажонов, Текин томоша.

2 Югуришда ким ўзиш мусобақаси.

ҚУВЛАШМОҚ Қувламоқ фл. бирг. н. *Уни уйдан қувлашибди.* ▬ *Болалар қийқириб, уни қувлаша кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кунлар орқасидан ойлар.. йиллар қувлашиб ўтди.* Ҳ. Зиёхонова, Арзанда. *Булутлар ҳам денгиздаги муз сингари бир-бирини қувлашарди.* Ҳ. Шамс, Оқпадар.

ҚУВЛИК 1 Қув эканлик. *Унинг қувлигини ҳамма билади.* ▬ *Лекин қувлиги учун айблаб бўлмайди.. шундай катта хўжаликни эплаш учун озгина айёр бўлиш ҳам керак.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Қув одамларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Жангларда ботирликдан кўра қувлик, моҳирлик, эпчиллик иш беради.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ўзи ўлгудай тўғрисўз, ғирромлик, қувликни билмасди.* Мирмуҳсин, Умид. *Хафа бўлмагин-у, укам, мен сендан бунақа қувлик чиқади, деб ҳеч ўйламагандим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

3 Қув шахсга хос ҳис-туйғу, хислат ва унинг ифодаси. *Муса аканинг қувлиги тутди.* «Шарқ юлдузи». *Қанча қувлик, шўхлик бор эди Раҳим аканинг кўзларида.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҚУВМОҚ 1 Етиб ёки тутиб олиш учун орқасидан югурмоқ, қувламоқ. *Кийик қувган қуённи пайқамас.* Мақол. *Илон қувса, йўлга қоч, туя қувса, ўрга қоч!* Мақол. ▬ *Қувган душманимни қўлга туширдим.* «Маликаи айёр». *Олмазорга етганида, кимдир ортидан қувиб етди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Бирор жой-макондан мажбурлаб кетказмоқ (жўнатмоқ); ҳайдамоқ. *Момо қўлига калтак олиб, болаларни қувибди.* «Эртаклар». *[Жуман:] Бечора болаларни иссиқ инларидан қувиб чиқарганларинг ҳам етар, тахтада нима гуноҳ? Ёқма!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шиддатли штурм натижасида душман мудофаа марраларидан қувиб чиқарилди.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

3 *кўчма* Мансаб, лавозим ва ш.к. дан четлатмоқ, бўшатмоқ, ҳайдамоқ. *Бироқ сал фурсат ўтмай, ҳоким тўра тилмочни ишдан қувди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

4 *кўчма* Йўқ қилмоқ; ҳайдамоқ. *Ташвиш қиз боланинг ҳуснини оларкан, шўхлигини ҳам, овозидаги латофатини ҳам қуваркан.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кўзга ажиб равшанлик бахш этувчи яшил кўкатлар тароватн.. кечадан бери ғамнок дилини эркалаб, кўксидаги ранжу аламни қувгандек бўларди.* С. Сиёев, Аваз.

5 *кўчма* Ҳаёти, иш-фаолиятида бирор йўл-йўриқ, усул ва ш.к. га қаттиқ амал қилмоқ; бирор иш-амални қаттиқ тутмоқ, унга берилмоқ. *Халилжон ҳам акаларининг йўлини қувди: мактабда ўқиб туриб.. авиаклубга қатнади.* С. Акбаров, Отанинг хаёллари. *-У фақат охиратни деб яшаган, умр бўйи савоб қувган, — деди чол.* А. Муқимов, Қопқон. *Жонингда қасдинг борми, мунча ароқни қувмасанг.* «Муштум».

6 *кўчма с.т.* Юриб-елмоқ (пиёда ёки улов билан). *Телпагини елвиратиб, Ўзбакларни далвиратиб, Урганч элга қувиб етдик.* «Юсуф ва Аҳмад». *Кўп ерларни мен ахтардим от қувиб, Ҳеч кўрмадим Асад Шодмон қорасин.* «Маликаи айёр».

Из қувмоқ Изидан таъқиб қилмоқ. *Қўрбошилар ичидан қочиб, менинг орқамдан из қувиб келгансан..* Ғайратий, Унутилмас кунлар. *Болта муаллим бошлиқ етти-саккиз чоғли йигит изларидан қувиб келар..* Н. Норқобилов, Тўқнашув. **Кетидан** (*ёки* **орқасидан) қувмоқ** *айн.* **қувмоқ 5.** *Мол-дунё орқасидан қувмоқ. Фойда кетидан қувмоқ.* ▬ *Сохта шуҳрат кетидан қувиб, алдамчилик билан шуғулланган шахслар қилмишларига яраша қаттиқ жазоланиши лозим.* Газетадан.

ҚУВНАМОҚ Хурсанд, шод кайфиятда бўлмоқ. *Кенг ҳовлида қувнар беш ўртоқ.* Ойбек, Қизлар. ▬ *Атайин ўйнагани, қувнагани келган.. бу куёв-келинга илтифот билдирмаслик гуноҳдек туюлди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Хуш келибсиз, қадрдонлар, меҳмонлар, Қувнаб ўйнанг, кулинг, қизлар, жувонлар.* Ҳабибий.

ҚУВНОҚ 1 Доим, табиатан хуш кайфиятли; хушчақчақ. *..бу оиладагиларнинг ҳаммаси ҳам самимий, қувноқ ва оққўнгил эканлигига ишонган сайин, бу ўнғайсизлик ўртадан кўтарилиб борарди.* С. Зуннунова, Олов. *Маҳди табиатан қувноқ, куйди-пишди эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Шод, хурсанд кайфиятли; қувончга тўла. *Ҳаммалари қувноқ, эгинлари башанг.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *У бугун жуда қувноқ.* Т. Ашуров, Оқ от. *Бари ўтиб кетди бир туш мисоли, Эслайман гоҳ маҳзун, гоҳида қувноқ.* А. Орипов, Йиллар армони.

3 Шод-хуррамлик акс эттирувчи, ифодаловчи. *Мен саҳналаштирган қувноқ комедия ҳам шу ҳақда..* Газетадан. *Тошкент ўзбекнинг санъати, товуши, Қувноқ музикаси, куйи, обрўси.* Ғ. Ғулом. *Ўша қувноқ кулги, ҳазил энди қандайдир жиддият, ўй ва ғазаб билан аралашиб кетган эди.* С. Зуннунова, Олов.

ҚУВНОҚЛИК 1 Қувноқ эканлик. *Унинг қувноқлиги ҳаммага ёқади.*

2 Қувноқ кайфият, шод-хурсанд ҳолат. *Унинг бояги қувноқлиги ўрнини аллақандай босиқлик эгаллаган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳурининг ўзи ҳам кўринишидан оғир бўлсада, қувноқликни яхши кўрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

ҚУВОНМОҚ Хурсанд бўлмоқ; севинмоқ. *Дадаси шаънига айтилган мақтовлардан бола қувониб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Адолат.. тунги сувни шимириб тирилаётган ҳар бир ғўзани кўриб қувонарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Салимхон билан Умид отаболадек бирга овқатланишди. Уларни кузатиб ўтирган Сунбулхон ая ич-ичидан қувонарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҚУВОНЧ Қувониш ҳис-туйғуси; хурсандлик. *Болтабой отанинг қувончидан Ширмонхон ҳам беҳад шод эди.* С. Зуннунова, Олов. *Тўй. Бу сўз.. камбағалнинг уйини шодликка, қувончга тўлдиради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *..адабиётга яшнаб кирган ёшларни кўриб қувониб кетаман ва бу қувончимни ўша ёшнинг ўзига миннатдорчилик изҳор қилиб айтаман.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

Қувончи ичига (*ёки* **дилига**) **сиғмайди** Жуда ҳам хурсанд, ғоят шод. *Ичкарида хотинлар мажлиси: ..биров ёр-ёр ўқиб, тағин биттасининг қувончи ичига сиғмай хахолаб, дунёни бузади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУВОНЧИҚ *шв.* Кишига қувонч, шодлик бағишлайдиган, кўнглини кўтарадиган, хурсанд қиладиган энг азиз кимса, нарса. *Тоҳиржон менинг овунчоғим, отасининг қувончиғи бўлиб қолди, уни ардоқлаб ўстира бошладик.* М. Жўра, Изтироб.

ҚУВОНЧЛИ 1 Қувончни ифодаловчи, шодлик ва хурсандликни акс эттирган; шодлик ва хурсандлик билан тўлган, севинган, шод, қувноқ. *Қувончли таббасум. Қувончли юз.* ▬ *Элмурод ва унинг дўстлари.. қувончли, порлоқ кунларининг қандай ўтаётганини сезмасдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бахмал қирғоқларни тўлдириб оқди Бахтиёр элимнинг қувончли саси.* Ғайратий.

2 Кишига қувонч бағишлайдиган, қувонса, хурсанд бўлса, севинса арзийдиган. *Қувончли натижа. Қувончли хабар.* ▬ *Шу вақт Юрьев батальонининг жангчилари учун яна бир қувончли ҳодиса юз берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ана шундай қувончли кунларнинг бирида тўсатдан бошимга фалокат тушса бўладими!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ҚУВРАЙ, оққуврай Чўл-даштларда ўсадиган, майда тиканли бир йиллик ёввойи ўт. *Бобо йўл четидаги оққуврайнинг гулини узиб, чеккасига қистирди-да, жойига чиқиб ўтирди.* А. Мухтор, Чинор.

ҚУВРАМОҚ *кам қўлл.* Қуримоқ, қурушмоқ, қовжирамоқ. *Ғазалчи ўғилнинг томоғи қуврадими, товуши хириллаб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Унда-бунда учрашиб турган бедазорлар сувсиз қолиб қувраган.* Ш. Холмирзаев, Сайланма. *Тоғнинг ўти бари қувраб кетибди.* «Гулнорпари». *Одамларнинг экинлари кўкармай қувради.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ҚУВРОҚ *кам қўлл.* Қувраган, қуриган. *Шабада келтирган қувроқ пичан ҳидидан.. боши айланиб, тўлғаниб турибди.* А. Мухтор, Чинор. *Тонг шамоли қувроқ ўтни йиқади..* «Тоҳир ва Зуҳра».

ҚУВУР 1 Катта, йўғон сопол труба. *Обраҳага қувур қўймоқ.*

2 Сув, буғ, газ ва ш.к. нинг оқиши учун темир, бетон ва б. дан ишланган узун, ичи бўш махсус қурилма. *Газ қувури. Нефть қувури. Сув қувури.* ▬ *Козим темир қувурлардан шарқираб сув отилаётган ҳовузчага дуч келди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Сўнгра ундан боғ томонга қаратиб диаметри 80 миллиметр бўлган полиэтилен қувурлар тортилди.* «Фан ва турмуш».

3 *с. т.* Айрим асбоб, қурол каби нарсаларнинг қувурсимон қисми; ствол. *Тепаликларнинг этагида оғир тўплар, узун қувурлари осмонга кўтарилган зениткалар туради.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кейин [самоварга] пистакўмир солиб, қувурига махсус кийдириб, дам берди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Иброҳимбек тўппонча қувурини ўзига қаратиб, ичига пуфлади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ҚУВҒУН 1 Ўз жойи, ватанидан ҳайдаш, қувиш, сургун қилиш, қилиниш хатти-

ҳаракати, ҳолати; шундай ҳолатдаги ҳаёт. *Қўқон атрофларида, Сўх ва Ҳушёр деган жойларда Бобур икки йил қувғунда юрган.* «Ёшлик». *Улар зиндонларда, турмаларда, қувғунларда эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Аваз, бир тарафдан, қувғунга учраб, мана шу дала-тузга келиб қолганига хурсанд эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Қувғун қилмоқ Ўз жойи, ватанидан ҳайдамоқ, қувмоқ; қувғун ҳолатга олмоқ, ташламоқ. *Отамнинг бошини еганлар, мени қувғун қилганлар учун қон тўкиб, эсимни еганим йўқ!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 Ўз жойи, ватанидан қувилган, шундай ҳолат, шароитда яшовчи шахс. *Қувғунларни юртга қайтариб, гуноҳга ботдими?* Т. Малик, Қалдирғоч.

ҚУВҒУНДИ *айн.* **қувғун 2.** *Кун чиқиб.. қувғундиларнинг елкаларига офтоб тегиб, оломонга сал жон кирди.* А. Мухтор, Чинор.

ҚУДА Куёв ва келиннинг ота-оналари (бир-бирларига нисбатан). *Хотин қуда. Эркак қуда.* ▬ *Қудалар ўртасида рўй берадиган англашилмовчиликлар, жанжаллар аксар вақт музокара ва муроса йўли билан ҳал қилинади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қудаларингни нима билан кутишни бўлса ўзинг биласан: туя сўйиб чорлаганингда ҳам келмайдирган кишилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қарши (*ёки* **қайчи**) **қуда** *қ.* **қарши. Қуда бува** Эркак қуда ёки қуданинг отаси. **Қуда буви** ёки **қуда хола** Аёл қуда ёки қуданинг онаси. **Қуда бўлмоқ** Ўғил уйлантириб ёки қиз чиқариб, ўзаро қудалик муносабатларини ўрнатмоқ. *..вазир бошқа бир вазир билан қуда бўлажагини билган устоз Қавом.. биз ҳам Нажмиддин Бухорийга қуда бўламиз, деди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҚУДА-АНДА Қудалардан бирининг барча узоқ-яқин қариндошлари (иккинчи қудаларга нисбатан). *Қуда-андалар билан борди-келди қилмоқ.* ▬ *Қуда-андани ўйлаган ойим, сенга бутунгина маҳси ҳам кийгизиб юбормабди. Маҳсингни қара, оёққа илиб бўлмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУДА-АНДАЛИ Қуда-андаси кўп; бир неча ўғил уйлантириб, қиз чиқариб, кўп оилалар билан қуда-андалик муносабатлари ўрнатган. *Қуда-андали киши. Қуда-андали бўлмоқ.*

ҚУДА-АНДА(ЧИ)ЛИК Қуда-андаларнинг ўзаро қариндошлик муносабатлари. *Воҳалар тарихан бир-биридан йироқ, аввалдан борди-келди қилмаган, қуда-андачиликлар йўқ.* М. М. Дўст, Лолазор.

ҚУДАЛАШМОҚ Ўғил уйлантириб ёки қиз чиқариб, келин ёки куёв томон билан ўзаро қуда бўлмоқ. *Бир неча вақт шу йўсин Хушрўйининг раъйига қараб, эру хотин зерикдилар-да, ўзларича бир жойга қудалашмоқчи бўладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУДАЛИК 1 Қуда эканлик. *Шу киши билан қудалигингизни биламан.*

2 Қудага хос муносабат, мавқе. *[Қози:] Додхонинг, минг қилса, сизга қудалик ҳурмати бор.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ҚУДАЧА Ёш хотин қуда. *Қудамиз Мирзакарим қутидорга ва қудачамиз хонимга етиб маълум бўлгайким, бизлар бунда соғ-саломатдирмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУДАЧИЛИК Йигит ва қизни унаштириш маросимидан кейин ҳар иккала оила аъзоларининг қариндошлик ҳолати, ўзаро қариндошлик муносабати. *Шерикчилик — бир йиллик, қудачилик — минг йиллик.* Мақол. ▬ *Турғун ака Ҳамидани чақалоқлигида бир дўстининг ўғлига «бешиккертти» қилиб қўйган экан. Ўн саккиз йил қудачилик қилишибди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚУДА-ҚУДАҒАЙ Эркак ва хотин қуда; эркак ва хотин қудалар; қуда-андалар. *Ойжамол эртасига Барчиннинг қошига борди. Қуда-қудағай бўлиб, бир-бирини жуда иззат қилиб қолди.* «Ёдгор».

ҚУДАҒАЙ Хотин қуда. *Қиз билан йигитни кўрган қудағайлар гап-сўз чувалмаслиги учун тез орада унашиб қўйишга эрларини қистай бошладилар.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҚУДРАТ [*а.* قدرت — куч, қувват; қобилият, лаёқат] **1** Юқори даражадаги куч-қувват; шундай куч-қувватли имконият; қодирлик. *Инсон қудрати ҳамма нарсадан устун чиқди, чўлда сунъий денгиз барпо этди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шамолнинг қудрати ҳазилакам эмас. У саҳрони остин-устун қилиб, қумтепаларни учириб олиб юради.* «Фан ва турмуш». *Суярқул Мамаюсуфнинг олдида қилтириқ кўринса ҳам, ўнта Мамайни пачоқлагудек қудрат сезарди ҳозир ўзида.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Умуман, бирор нарсани амалга ошириш имконияти; куч-қувват, қурб. *Қани эди, қудрати етса-ю, шу тошқин дарёдан ҳовучлаб сув элтса, ташна гиёҳлар илдизига нам, чўлларга ҳаёт берса.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Битта чопон тиктиришга қудратим етмайди..* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қодирлик, куч манбаи. *Оламга арзигулик қудрат шу чаноқдадир..* Газетадан. *Қандайдир бир қудрат уни силкиб, ўзига келтирди..* Мирмуҳсин, Умид.

4 Аллоҳга хос куч-имконият; илоҳий қодирлик. *Фалончининг келини тўрт оёқли туғибди.. ё қудратингдан ўргилай!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳар ҳолда, фиғон-нола яхши эмас, ҳар банда қудрат қалами билан ёзилганини кўради.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Қудрат (эркаклар исми).

ҚУДРАТБАХШ [*а.* + *ф.* قدرتبخش – куч, қувват бағишловчи] Қудрат, куч-қувват бағишловчи, кучга куч қўшадиган. *Дўстлик – ана шундай қудратбахш куч.* Ҳ. Муродов, Жон қўшиғи.

ҚУДРАТЛИ Катта ишларга қодир; куч-қудратга эга. *Қудратли давлат. Қудратли иншоот.* ▬ *..қудратли насос станциялари Сирдарё сувини ўнгу чапга кўтариб бермоқда.* «Ўзбекистон қўриқлари». *..ер текислаётган қудратли техниканинг бир меъёрдаги гуруллаши жимликни бузарди.* Газетадан.

ҚУДУҚ 1 Сув олиш мақсадида вертикал тарзда қазилган тор ва теран чуқурлик; гидротехника иншооти. *Қудуқдан сув тортмоқ. Сув ичадиган қудуғингга тупурма.* Мақол. ▬ *Пақирни олиб.. қудуқдан сув келтириб, айвонга, дўкон ичига қалин қилиб сепади.* С. Сиёев, Аваз.

2 Ер остидан газ, нефть олиш ёки ертупроқни текшириш учун пармалаш машиналари воситасида қазилган жуда чуқур тор ўра; скважина. *Бурғиланган қудуқ. Газ қудуғи. Иссиқ минерал сув қудуғи. Нефть қудуғи.* ▬ *Олиб чиқди тоғнинг бошига, Санолмадим нефть минорасин. Кўрдим қудуқ пармалаётган Йигитларнинг полвон – сарасин.* Ё. Мирзо.

3 *махс.* Ўрача шаклидаги деталь. *Карбюраторнинг компенсация қудуғи.*

ҚУЁН 1 Товушқонлар оиласига мансуб, қулоқлари ва орқа оёқлари узун сутэмизувчи ҳайвон. *Ёввойи қуён. Хонаки қуён. Қуён териси.* ▬ *Тўнгак орқасидан қулоқлари диккайган қуён пайдо бўлди-да, коптокдек сакраб, буталар орасига яширинди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Овчилар.. ҳар қайсиси бир нечадан қуён, ўрдак олиб бормоқда эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Ўзбекистон хўжаликларида қуён, асосан, гўшт ва мўйна учун боқилади.* «Фан ва турмуш».

2 *кўчма* Юраксиз, журъатсиз, қўрқоқ (одам ҳақида). *Майна.. Нарзи ота билан гурунглашишни.. истамасди. Бу қари қуён бирор ваҳимани жавраб, ғашимни келтиради, деб индамади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Қуён бўлмоқ *с.т.* Қочиб қолмоқ, жуфтакни ростламоқ. *[Мунаввархон] Ишхонасига бир кўриниш беради-ю, қуён бўлади.* М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат.

3 Мучал йил ҳисобида тўртинчи йил номи.

Қуён йили Мучал йил ҳисобида тўртинчи йил (*қ.* **мучал**); харгўш йили.

ҚУЁНХОНА Қуён боқиб кўпайтириш учун мосланган махсус хона ёки катак.

ҚУЁНЧИЛИК Чорвачиликнинг хонаки қуён боқиш, урчитиш ва улардан маҳсулот етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Қуёнчилик фермалари.*

ҚУЁНЧИҚ 1 Сон орқали тиззага қараб йўналган пай, томир (қассоблар термини).

2 Тутқаноқ, эпилепсия. *Алпомиш айтди: -Нима қилди, дўстим? -Болалик кунда тутадиган қуёнчиқ касалим бор эди, шу вақт тутиб қолди, – деди Қоражон.* «Алпомиш».

ҚУЁШ 1 (*астрономияга оид термин сифатида бош ҳарф билан*) Қуёш системасига оид марказий жисм – ўзидаги термоядровий реакциялар ҳисобига ёруғлик ва иссиқлик тарқатувчи (чиқарувчи) улкан газсимон шар шаклидаги ёритқич. *Ер Қуёш атрофида айланади. Қуёшнинг тутилиши.* ▬ *Ракеталар туфайли биз Қуёш системасини ўзлаштириш имкониятига эга бўлдик.* «Фан ва турмуш».

2 Шу жисмдан таралувчи нур, иссиқлик. *Қуёш ваннаси. Ёз қуёшида қораймоқ. Қуёшга тутмоқ.* ▬ *Мурод қуёш ёйилганда турди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Уй, қуёшга тескари солинганлигидан бўлса керак, бир оз қоронғироқ эди.* С. Зуннунова, Олов. *Солдатлар қаҳқаҳлашиб юборишди. Айниқса, қора қошли, юзлари қуёшда пишган йигит силла-*

си қуриб куларди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 *кўчма* Ниманингдир ҳаёт, яшаш манбаи, асоси ҳисобланадиган, шундай деб қараладиган нарса ҳақида. *Бахту иқболим қуёши чиқди, кўрсатди жамол, Ўзбекистонда қазилди зўр канал, оқди зилол.* Ҳабибий.

Қуёш батареяси Яримўтказгичли фотоэлементларга асосланган, қуёш радиацияси энергиясини бевосита электр энергиясига айлантириб берадиган ток манбаи. *2005 йил бизга грант асосида ЮНЕСКО томонидан қуёш батареяси.. берилди.* Газетадан.

4 Қуёш (эркаклар исми).

ҚУЁШЛАМА *шв.* Қуёш, кун томон; қуёш тушиб турган жой. *Тушликда ҳовлига чиқиб, қуёшламага орқа қилиб ўтир.* С. Сиёев, Аваз. *Қуёшламада ўтириб ийиб кетган кампир: -Ҳой қиз, кел, сочимни ўриб қўй, — дебди.* «Эртаклар». *Бува уни [отни] бўшатиб, қуёшламага олиб чиқди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ҚУЁШЛИ Қуёш нур сочиб турадиган; офтобли, серқуёш. *Қишда қуёшли, ёзда салқин, дам оладиган ажойиб икки хона.* «Гулдаста». *Сен қуёшли ўлка боласи, Истиқболинг нурли ва порлоқ.* Ғайратий.

ҚУЗҒУН 1 *зоол.* Қарғасимонлар оиласига мансуб, ҳар қандай нарсани ҳам еяверадиган, ўлимтикхўр ўтроқ қуш. *Боғда бургут, лочин, қарчиғай, қузғундан тортиб то тўтиқушгача томоша қилинди.* Н. Назаров, Замон. *Сон-саноқсиз қузғунлар ва сиртлонлар ўликлар устида базм қурмоқда.* В. Муродов, Шерлар билан юзма-юз.

2 *кўчма* (*одатда, кўпл. шаклида* — **қузғунлар**) Шу қушга нисбат берилиб, ҳар қандай разиллик, ифлосликдан қайтмайдиган ярамас, жирканч шахсларга нисбатан қўлланади. *Мана энди қиз атрофида Олахўжанинг қузғунлари айланишиб қолибди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚУЙИ 1 *от* Паст томон; бирор нарсадан пастда бўлган жой; пастлик. *Насиба турган жойида пиқ-пиқ йиғлар.. боши қуйи солинганича тақдирини қарғар эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Йигит чирик оғочлар тирқишидан пастга қаради. Қуйида сув симобдай милтирайди.* С. Сиёев, Аваз.

2 *сфт.* Паст томонида бўлган, жойлашган; пастки. *Баширжон қуйи лабини тишлаганча, уйнинг шифтига қараб қолди.* Н. Аминов, Суварак.

3 Бирор сатҳнинг ёки сатҳдаги йўналишнинг пастида бўлган томони; этак. *Сирдарёнинг қуйи оқими.* ▬ *Сувлар оқар қуйи томонга.* М. Шайхзода. *Бу уй — хизматкорхона, бойнинг ташқари ҳовлисининг қуйи томонида.. шунинг учун кўзга чалинмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *от* Уй, хона ва ш.к. нинг тўрига нисбатан паст томони; тўрга қарама-қарши томон. *Уйнинг тўрига чирик қора намат ташланган, қуйи томони яланғоч ер.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тошбобонинг таклифидан сўнг дастурхоннинг қуйи томонига солинган кўрпачага чўккалади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Бир оздан кейин тортинчоқликни билмайдиган Ҳусайн катталардек эшикдан салом бериб келиб, қуйироққа тиз чўкди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

5 *кам қўлл.* Паст; *зид.* **баланд.** *..қабр ёнига тизлаган Отабек ва юқори, қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга сомеъ каби эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 *кўчма* Мавқе, даражаси ва ш.к. жиҳатдан бошқасига нисбатан кичик, паст бўлган. *Қуйи ташкилотлар. Қуйи лавозим.* ▬ *Биринчи дарвозанинг икки биқинида турувчи қоровул йигитлар ўрданинг улуғ даражали бекларини кузатар, мансаби қуйироқ ясовуллар билан мутойиба қилишиб қолар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚУЙИДА 1 Қуйи с. ў.-п. к. шакли; пастда, тубанда. *Ялпиз титраб қуйида, Сойдан хушбўй анқийди.* А. Шер.

2 Нарса, иш-ҳаракат ва ш.к. лар қаторида, кетма-кетлигида навбатдагиси, охиргиси, эндигисига ишора қилади. *Қуйида шулар ҳақида фикр юритамиз.* ▬ *Айниқса, қуйида зикр қиладирган ҳолимиз бу икки опа-сингилнинг характеридаги фарқларини очиб кўрсатиш учун етадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУЙИДАГИ 1 Қуйи, паст томондаги; пастдаги. *Қуйидаги кўлага ҳануз бўғот остида сўррайиб турар эди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Баён қилинадиган, қайд этиладиган нарса(лар)га ишорани билдиради. *Мажлисда қуйидаги масала кўрилади: Квартал режасининг бажарилиши ва навбатдаги вазифалар.* ▬ *Азизбекнинг бу сўзидан кейин оломон*

тағин қизишиб, қуйидаги сўзлари билан кўкни кўтарди: -Икки қайта алданиш йўқ! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУЙИЛИШ 1 Қуйилмоқ фл. ҳар. н. *Мияга қон қуйилиши.* ▬ *Азизхон каналга сув қуйилиш кунини сабрсизлик билан кута бошлади..* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Дарёнинг денгиз, кўл ва ш.к. сувли объектга бориб қуйиладиган жойи. *Дарёнинг кўлга, денгизга, океанга ёки бошқа дарёга бориб қуйиладиган жойи дарёнинг қуйилиши деб аталади.* «Табиий география».

ҚУЙИЛМА Қуйиб ясалган нарса, деталь. *Чўян қуйилмалар.* ▬ *Ишдаги жасорати, қуйилмаларни тез ва аъло сифатли тайёрлашдаги жонбозлиги заводдагиларни қойил қолдирди.* Газетадан. *Қуйилма юмшатилиши учун қиздирилади, кейин парчаланади, кесилади ёки эритилади.* Газетадан.

ҚУЙИЛМОҚ 1 Қуймоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Кўк чой жонон пиёлаларга қуйилди. Бир кунда икки минг дона ғишт қуйилди. Бронзадан ҳайкал қуйилди.* ▬ *Тоғ-тошлардан оқиб тушган сувлар кўпириб оқиб, Зарафшонга келиб қуйилади.* Ж. Шарипов, Саодат. *Жаҳоннинг қаерида ўт чақнаяпти, қаерида офат-ўлат одам боласини қийратяпти, қаерида замбаракларга ўқ қуйиляпти — ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Жуда кўп, кучли тарзда (оқим тарзида) келмоқ; ёғилмоқ. *Кўзларига жиққа ёш қуйилиб келди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бўғзидан қуйилиб чиқаётган хўрсиниқ кампирнинг елкаларига иссиқ тегарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Шамси Тўраевич яқинлашаркан, Баширжоннинг юрагига ҳаяжон қуйилди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *У жуда иштиёқ билан ёзарди, фикрлар ҳам қуйилиб келарди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Қуюқ ҳолга келмоқ, қуюқ тортмоқ. *Тикилган қозон қайнамас, Қайнаса ҳам қуйилмас.* Мақол. ▬ *Қуйилиб ётар Қозондаги кичирининг очилмай моши..* Ғ. Ғулом.

4 Ақл-ҳушини йиғиб, бўлар-бўлмас, енгилтак хатти-ҳаракатларга барҳам бермоқ. *Бир кун эси кириб, қуйилиб қолар ахир!* С. Аҳмад, Уфқ. *Қариб қуйилмаган бир шилқим ёшгина қизга муҳаббат изҳор қилибди..* «Ёшлик».

ҚУЙИШ 1 Қуймоқ фл. ҳар. н. *Пиёлага чой қуйиш.*

2 *тех.* Қуйма буюм, қуйилма тайёрлаш иши; қуймачилик. *Қуйиш цехи. Чўян қуйиш заводи. Қуйиш технологияси.*

ҚУЙМА 1 Қуйиш йўли билан тайёрланган, қуйилган. *Қуйма олтин.* ▬ *Археологлар Қора денгизнинг шимолий қирғоғидан балиқ шаклидаги қуйма «чақа»ларни топишган.* «Фан ва турмуш».

2 *айн.* **қуйилма.** *Чўян қуйма.* ▬ [*Денгизчилар*] *Кўл ичида ёғочга ҳам, металлга ҳам, гилга ҳам ўхшамайдиган ялтироқ тиниқ рангли қуйма ётганини кўришган.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиши. *Металл қуйилмалар ва пайванд чокларида учрайдиган нуқсонларни аниқловчи гамма-дефектология усули нуқсонларни осонлик билан топишга имкон беради.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма кам қўлл.* Қуйиб ишлангандек, мушаклари бўртган, миқти (киши гавдаси ҳақида). *Шербек эгилиб қараб, юмалоқ, қуйма қирғиз йигитга кўзи тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 *кўчма.* Кўп такрорланадиган, бир қолипдаги (гап, сўз, ибора ҳақида). *Қуйма гаплар.* ▬ *Бундан ҳам натижа чиқмади — ҳамон ўша, сира ўзгармайдиган қуйма жавоб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

5 *кўчма* Аниқ-равшан, чертиб-чертиб айтилган; бурро. *У сўзлар, замонларга бергандай ойдин жавоб, Ҳамма жим, у сўзларди — қуйма эди ва содда..* Миртемир.

ҚУЙМОҚ I **1** Суюқликни бир идишдан бошқа идишга туширмоқ, солмоқ. *Графиндан стаканга сув қуймоқ. Косаларга сут қуймоқ.* ▬ [*Хотин*] *Дастурхонни ёзиб, устига нонни қўйди-да, пиёлага иссиқ чой қуйиб, эрига тутди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Қурбон ота иккинчи самоварга хумдан сув олиб қуймоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Маълум мақсадда (мас., ювиниш ва ш.к. учун) йўналтирмоқ, оқизмоқ (сув ҳақида). *Экинларга сув қуймоқ. Кўлга сув қуймоқ.* ▬ *Гулнор бир обдастага сув тўлдириб, дадасига тутди. -Қуй ўзинг, — деди Ёрмат, ҳам айвоннинг лабига ўтириб, этик ювишга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тагига сув қуймоқ Йўқотишга қаратилган иш қилмоқ; йўқотмоқ. *Жўраевнинг бу иши ҳаромхўрларга ёқмаган бўлса керак, унинг тагига сув қуйиш учун тирноғи орасидан кир қидира бошладилар.* «Муштум».

3 Қаттиқ, шиддат билан ёғмоқ (ёмғир, сел, жала ҳақида). *Эрта куз жаласи тоғлик жойларга хос ҳафсала билан қуяр, ёмғир суви темир йўлнинг икки томонидан дарё бўлиб оқар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бу вилоятнинг самоси ғалвирдай сув тутмас бўлганидан, ёмғир ёз бўйи роса қуйди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Жуда кўп миқдорда, мўл-кўл оқизмоқ, тўкмоқ. *-Нимага йиғламай, кошки кўзим оқиб тушса, ҳеч нимани кўрмасам.. — кўз ёшларини қуйиб сўзлади Гулсунбиби.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Ёғдирмоқ, тўкмоқ, сочмоқ. *Офтоб осмондан олов қуйяпти.* С. Аҳмад, Таъзим. *Мусаффо осмонда тўлин ой ялтирар, жамолидан бутун ер юзига зиё қуйгандек.* Н. Сафаров, Оловли излар.

6 Тайёр қолипга эриган, суюқ, юмшоқ нарса солиб, буюм тайёрламоқ. *Шам қуймоқ. Қозон қуймоқ. Ғишт қуймоқ.* ▬ *Завод қайтадан қурилиб, ускуналаниб, миномётлар учун снарядлар қуя бошладик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Қуйиб қўйгандек 1) жуда келишган, хушбичим. *Низомжон Зебихонга тикилиб туриб, унинг қоп-қора қошларига, қуйиб қўйгандек келишимли қоматига маҳлиё бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) ўзига жуда ярашган, ёпишиб тушган. *Адл қад, хипча белига қуйиб қўйгандек ёпишиб турган гимнастёркаси бирам ўзига ярашган.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз; 3) нақ ўзи, худди ўзи, сира ажратиб бўлмас даражада ўхшаш. *Ўзиям шундай Раҳимагинанинг ўзи-да, қуйиб қўйгандек.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ҚУЙМОҚ II Тухумга ун чалиб, ёғда қовуриб тайёрланган овқат. *Қуймоқ пиширмоқ.* ▬ *Жаннат хола шошиб ун чалиб, қуймоқ солди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кичик-кичик товачаларда жизиллаб турган қуймоқ тортилди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ҚУЙМУЧ 1 *анат. айн.* **думғаза 2.** *Бақа гавдасининг умуртқа поғонаси қисқа бўлади ва узун қуймуч суяги билан тамомланади.* «Зоология».

2 Гавданинг бел билан думғаза ўртасидаги орқа қисми. *Хуррам хотинининг қуймучига тепиб юборганини сезмай қолди.* «Ёшлик». *У икки қўлини қуймучига қўйиб, уйнинг ўртасида андак ўйланиб турди-да, сўнгра диванга ўлтирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шербек Нигорага ер остидан қаради. Унинг йўғон икки ўрим сочи баланд қуймучида тўлғаниб ётарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚУЙРУҚ 1 *айн.* **дум 1.** *Қуйруғи узун ит.* ▬ *Бедовга ярашган қуйруқ ҳам ёлдир.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Қушни осмонда тутиб турадиган — қанот билан қуйруғи.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Доим бировга эргашиб юрадиган, унинг хизматига тайёр турадиган шахс ҳақида; дум. *Соли совуқ ўз қуйруғига буюрди: -Жуманбой, пастдан палос олиб боринг, чопинг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *айн.* **думба 1.** *Боқилган қўйларнинг қуйруғи кучоққа сиғмас эди. Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши.* Мақол. ▬ *Тажрибали чопқинчилар Ҳирот томонига бораётганда, ҳар икки-уч соатлик йўлда маълум бир ерга қуйруқ ёғи бўлакларини кўмиб қўйган эдилар.* С. Айний, Қуллар.

4 Самолёт, кема ва ш.к. нинг орқа қисми. *Самолётнинг қуйруғи. Кеманинг қуйруғи.*

ҚУЙРУҚЧИ *эск.* Кеманинг кетинги рулини бошқарувчи киши.

ҚУЙҚА 1 Суюқлик ва баъзи зарралардан йиғилган чўкинди; лойқа, қуйқум; бўтқасимон қуюқ қоришма. *Бўёқ қуйқаси. Мусаллас қуйқаси. Тиндирилган сув қуйқаси.* ▬ *Гил сувда эримаганлигидан қуйқа ҳолда бўлади.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар. *Амударё бир йил ичида теваракдаги текисликларда 20 сантиметргача қалинликда қуйқа ҳосил қилади.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

2 *кўчма* Салбий шахслар, нарса-ҳодисаларнинг қолдиғи. *..ана шу [Омон Асиловдай] қуйқаларни, инсоний қиёфасини йўқотган кишиларни фош қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.* Газетадан.

ҚУЙҚИНДИ *айн.* **қуйқа 1.** *Ёнилғининг ҳарорат таъсирида парчаланиб кетиши — қуйқиндилар ҳосил бўлишига ҳамда фильтрларнинг ифлосланиб қолишига олиб келади.* «Фан ва турмуш».

ҚУЙҚУМ *айн.* **қуйқа 1**. *Тиндирилган сув қуйқуми. Бочкани тагига чўккан қуйқумдан тозаламоқ.*

ҚУЛ 1 *тар.* Эксплуататорлик жамиятининг илк даврларида хусусий мулк, мол қатори олиб-сотилган, бутунлай хўжайинга қарам бўлган, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқ ва молу мулкка эга бўлмаган хизматкор. *-Ойжамол,*

мана бу ер қул бозори бўлган, — Шерниёз сандиқсозлик дўкони қаршисидаги майдончани кўрсатди. Ж. Шарипов, Хоразм. *Хафа бўлманг, биз ҳақ олмасдан ҳам ишлаймиз. Ахир биз қулмиз-ку, ҳақ талаб қилишга ҳаддимиз борми?!* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Умуман, синфий жамиятда эксплуатация ҳамда сиёсий-иқтисодий қарамлик асоратида ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум бўлган, эзилувчи киши. *Қизлар бунда чўри, тул эди, Йигитлар хўр, гадо, қул эди.* Э. Раҳим.

3 *кўчма салб.* Кимсага кўр-кўрона хизмат қилувчи, бўйсунувчи; итоатгўй, малай, хизматкор. -*Майли, — деди Фазлиддин, — лекин шундай яхши қулни улар бизга беришмас, дейман.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Бизнинг Қамишкапада кўпчилик аёллар ҳали ҳам «тўрт девор» ичида эрларига қул бўлиб келмоқдалар, — деди Гулсум.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *кўчма* Бирор кимсага, нарсага қаттиқ берилган, дарди, хаёли ўшанда бўлган киши, унинг фидойиси. *Яхши гапнинг қулиман. Ўз қарашларининг қули.* ▬ *Сен ҳам от қулига ўхшайсан.* Ойбек, Танланган асарлар. *..орамизда Мирҳайдар деган кеча-кундуз фақат овқатни ўйлайдиган, қорнининг қули бўлиб қолган.. бир йигит бор эди.* О. Ёқубов, Излайман. *Мангуга қолай, дея шуҳрат қули Искандар Юксак тоққа ўзининг суратини солибди.* А. Орипов, Юртим шамоли.

5 Банда. *Худо хабар олсин жами қулидан..* «Ҳасанхон». *Ё худо, бу гуноҳкор ўғилга ўзинг тавфиқ бер ва мен қулингни кечир.* Ойбек, Нур қидириб.

(Худо) ол қулим деб (*ёки* **деса**) Худо қўллаб-қувватласа. *Оллонинг даргоҳи кенг. Ол қулим, деб зора ҳазрат олийларининг кўнглига мурувват солса, рухсат бўлғай.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қулинг ўргилсин** Жуда яхши, жуда соз, ажойиб, қойилмақом. *Қулинг ўргилсин жой. Қулинг ўргилсин жонон.* ▬ *Бунақа қулинг ўргилсин шўрвани уйда келинингиз ҳам қилиб берган эмас, холажон!* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ҚУЛА *шв.* Сайҳон, кенг, чексиз. *Кийикнинг юраги қула чўлмиди?* «Гўрўғли».

ҚУЛАЙ 1 Бирор ишни бажариш, бирор мақсадни амалга ошириш учун энг мос, энг мувофиқ, қўл келадиган. *Қулай фурсат. Қулай шароит. Кўчат ўтқазиш учун қулай давр.* ▬ *Мана шу ерда ошиб ўтишга қулай жой бор..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Айниқса, томчилатиб суғориш боғдорчилик учун қулай ҳисобланади.* «Фан ва турмуш». *Чўмилишга қулай бўлгани учун бу ерга қўшни қишлоқ болалари ҳам ёпирилиб келишар эди.* «Ёшлик».

Қулай йўл 1) ўнг келадиган, қатнов, бориш-келиш учун ўнг йўл; 2) мақсадга тез, осонроқ етиштирадиган йўл, усул.

2 Амалга оширилиши осон, унча кўп куч ва малака талаб қилмайдиган. *Кесиб кетмон билан тошларни лойдек, Кўрингай қаттиқ ишлар ҳам қулайдек.* Ҳабибий. *[Нури] Ўз режасининг бундай қулай амалга ошувидан ҳадсиз севинди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУЛАЙЛАШМОҚ Қулай ҳолга келмоқ. *Йўллар қулайлашмоқда.* ▬ *Шундай қилиб, чолнинг иши анча қулайлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУЛАЙЛИК 1 Қулай эканлик. *Фурсатнинг қулайлиги. Асбобнинг қулайлиги. Пул жамғариш учун омонат кассанинг қулайлиги.*

2 Қулай шароит, имконият, ҳолат. *Қулайлик бермоқ. Қулайлик туғдирмоқ.* ▬ *..тураржойларда аҳолига қулайлик яратиш учун мактабгача тарбия муассасаларини кўпайтириш керак.* Газетадан.

ҚУЛАЙСИЗ *кам қўлл.* Ноқулай, ўнғайсиз.

ҚУЛАЙСИЗЛИК Яшаш, ишлаш ёки бирор ҳаракат қилиш ва ш.к. га халал берадиган ҳолат, шароит; ўнғайсизлик, ноқулайлик. *Қулайсизликни бартараф этмоқ.*

ҚУЛАМОҚ 1 Зарб билан йиқилмоқ; ағдарилмоқ. *Зилзилада кўпгина эски уйлар, деворлар қулади. Чириган дарахт қулаб тушди.* ▬ *Мана шу тоғ чўққисида бир чўпон, оёғи тагидаги тош кўчиб, пастга қулаб кетади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Тоғнинг кунботар томонига уруш йиллари самолёт қулаган.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

2 *кўчма* Йўқ, маҳв бўлмоқ, йўқ, маҳв этилмоқ, ағдарилмоқ; тушмоқ. *Қуламасин Чамбил юрти.* «Гулнорпари». *Устунлари тезлик билан яксон қилинган бўлса ҳам, эски жамият осонликча қуламади.* «ЎТА». *Подшоҳ тахти қулайдиган кунлар келар.* «Бойчечак».

3 *кўчма с.т.* Оламдан ўтмоқ; ўлмоқ. *Чол қуламай турибди. Қулаган кун уларнинг ёқасини бўғаман, меросимни даъво қиламан!*

Ойбек, Танланган асарлар. *Икки ўғлим: бири ўн саккизда, бошқаси йигирмада — немис ўқидан қулади.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҚУЛАТМОҚ Қуламоқ фл. орт. н. *Дарахт қулатмоқ. Деворни қулатмоқ. Подшоликни қулатмоқ. Кўпчилик бирикса, тоғни қулатар.* Мақол. ▬ *Жаҳлдан бир мушт уриб, танча устида турган катта лампани қулатай деди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шахталарда шахтёр шиддаткор.. Кўмирларни қулатар яхлит.* Ё. Мирзо.

ҚУЛА-ТУЗ Кенг дала, дала-туз, дашт. *Йўл юргандир кўп қула-туз, Ё кеча тинмайди кундуз.* «Алпомиш».

ҚУЛВАЧЧА 1 Қулдан тарқалган киши, қул авлоди, қулнинг боласи, фарзанди. *[Мансур:] Бало ошпаз, бало, Ўлгунча айёр, Ўзи қулвачча-ю, идроки юксак.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Уларнинг ёнига тиқилишиб, юзларча қулваччалар бормоқда.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

2 *кўчма* Паст табақадан, қул қатори бўлган шахс ҳақида, унга нисбатан қўлланади. *Ризаев ундан баттар, бировнинг фотиҳа қилинган қизини ўзига хотинликка олмоқчи, қулвачча..* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУЛДОР *тар.* Қул эгаси. *Қулларнинг ризқи қулдорлар томонидан уларнинг меҳнатларига қараб белгиланадиган «ўлмаслик тадорики» дегандек, ўлчаб бериладиган «ҳақ» бўлар эди, холос.* «ЎТА».

ҚУЛДОРЛИК 1 Қулга эгалик, қул сақлаш ва унинг кучидан фойдаланиш. *Боғиафзал қишлоқларида, қадимги замонларда, бир неча катта бойлар бўлиб, улар орасида қулдорлик жуда ривож топган экан.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Қуллар кучидан фойдаланишга асосланган. *Қулдорлик жамияти.*

ҚУЛДУРАМОҚ «Қулдур-қулдур» товуш чиқармоқ. *У.. бир нарса дегандай бўлди — гапирдими, ичи қулдурадими — билиб бўлмади.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Қалин лаблари билан чилимни тортди. Чилимнинг суви қулдуради.* К. Яшин, Ҳамза.

Қорни қулдурамоқ Қорни овқат (емиш) талаб бўлмоқ. *Қорни қанчалик қулдураб турганига қарамай, бош эгиб, қўшиқни эшитаверди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Баширжон қовун расталари оралаб кетаркан, янги чиққан бодрингга кўзи тушиб, қорни қулдуради.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚУЛДУР-ҚУЛДУР *тақл. с.* Узуқ-узуқ бўғиқ товушни билдиради. *Ичи қулдур-қулдур қиляпти.*

ҚУЛЖАЛЛОБ *айн.* **қулфуруш.** *Карвонбошининг ўзи — қулжаллоб ва молининг бариси қул ва чўрилар бўлгани сабабли, қул бозори бўлган Пойиостона гузаридаги саройлардан бирига тушиши лозим эди.* С. Айний, Қуллар.

ҚУЛЛАРЧА *рвш.* Қулларга хос бўлган, қуллар каби. *Қулларча итоаткорлик.* ▬ *Хизматкорлардан қулларча мутеликни, ҳар қандай оғир ҳақоратга «лом-мим» демасликни талаб қилган бойвачча, бунга чидай олмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУЛЛИК 1 Қулга хос ҳолат, ҳаёт. *Жаҳонгирлар инсониятга жисмоний ва маънавий қуллик келтирса, шеърлар руҳий эркинлик.. бахш этади.* «ЎТА». *Уламолар хотин-қизларни қулликда сақлаш учун, уларнинг озодликка чиқиш ҳаракатига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

Қуллик қилмоқ Қул бўлиб ёки қул каби ишламоқ. *Мен бундан буён сизга қуллик қилмайман.. Лекин ўттиз йил хизмат қилиб, ёшлик кучини барбод бериб, олтмишга кириб, бир уйдан қувилган чол қаердан хизмат топа олади?* С. Айний, Қуллар.

2 Эксплуатациянинг тарихан дастлабки ва энг қўпол шакли, унда қул ишлаб чиқариш қуроллари қаторида, ўз хўжайини — қулдорнинг мулки ҳисобланган. *Абдураҳимбойнинг гумаштаси экан. Онамнинг айтишига кўра, қуллик замонида бизнинг ота, оналаримиз унинг қўл остида бойда ишлар эканлар.* С. Айний, Қуллар.

ҚУЛЛОБ I [*а.* قلّاب — қайтарма (ёқа); чангак, қисқич; юрак касаллиги] *эск. кт.* Қармоқ, қисқич, чангак; тузоқ. *Ит ҳамон бўкириб, қопуни ғажир, унинг қуллоби.. чегасидан чиқиб бормоқда эди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҚУЛЛОБ II Тананинг касал жойини тортиб боғлаб қўядиган белбоғ ёки халта. *Қуллоб тутмоқ.*

ҚУЛЛУҚ *с.т.* **1** Миннатдорлик ифодаловчи сўз; раҳмат, миннатдорман. *Ёрдамингиз учун минг марта қуллуқ.* ▬ *-Қўрқманг, ҳожи!.. Қўқонга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқариш бўлсин. -Қуллуқ, қушбеги.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қуллуқ қилмоқ Қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик изҳор қилмоқ, таъзим қилмоқ. *Ҳасан овчи дарвозагача қуллуқ қилиб, орқаси билан юриб борди ва посбонлар қаршисида ўзини ростлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Деҳқон шодлик.. билан тўла, қуллуқ қила-қила чиқди.* Ойбек, Навоий.

2 *шв.* Муборак, қутлуғ. *Нафиса, ўғил қуллуқ бўлсин.. жонгинам.* А. Мухтор, Туғилиш. *Элнинг катта-кичиклари «қуллуқ бўлсин»га кела берди.* «Алпомиш». [*Ҳожи:*] *Орзиқул уйида бўлса, қуллуқ бўлсин қилиб чиқай.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

ҚУЛМОҚ *бот.* Тутдошлар оиласига мансуб, манзарали ўсимлик сифатида ўстириладиган, чирмашиб ўсадиган кўп йиллик ва бир йиллик ўсимлик (пивопазликда ачитқи, тиббиётда дори воситаси сифатида ишлатилади).

ҚУЛОН Отдан кичикроқ, эшакдан каттароқ, отдан кўра кўпроқ эшакка ўхшаб кетадиган ёввойи ҳайвон. *Тоғига қараб қулони, Сувига қараб илони.* Мақол. ▬ *Қулон, карклар сувсиз чўлда ётади.* «Ҳасанхон».

ҚУЛОН-ТУЗ Чексиз текислик; шундай ер. *От чопасан баринг қулон-тузларга..* «Гулнорпари». *От чопишиб бораётир, Ҳисоби йўқ қулон-туз.* «Гулшанбоғ».

ҚУЛОЧ 1 Елка баландлигида керилган ҳар икки қўлнинг ўрта бармоқ учлари орасидаги масофа (узунлик ўлчови бирлиги сифатида). *Бир қулоч арқон. Уч қулоч ёғоч.* ▬ *Ҳасан сўфи бу аҳволни кўриб: -Эҳ-ҳа, бу ёқ бир қулоч паст, у ёқ бир ярим қулоч чамаси баланд бўлса, тоза бўлган экан ишларимиз! — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тили бир қулоч Ҳеч ким, ҳеч нарсадан тап тортмай, андиша қилмай, оғзига келганини гапираверадиган; тили узун. *-Ҳм, оғзаки ботирлар, сўлласинлар! — хоннинг масхараомуз товуши эшитилди. — Тилларинг бир қулоч..* С. Сиёев, Аваз. **Қулоч ёзмоқ** (*ёки* **ёймоқ**) 1) икки ёки бир қўлини елка баландлигида очмоқ. *Алвасти қиёфасига кирган бир аёл.. қулочларини ёзган ҳолда кўчанинг чап томонига қараб югура кетди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. *Пирнафас ака қулочини ёзиб, кучи борича санчқини отди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Полвон азамат қулочларини ёйиб, оғир киришди.* Ж. Шарипов, Хоразм*;* 2) *кўчма* кенг тарқалмоқ, ёйилмоқ, авж олмоқ, ривожланмоқ. *Уй-жой қурилиши кенг қулоч ёйди.* ▬ *..проза ҳали кенг қулоч ёзмаган даврларда унинг ролини поэзия бажариб келган.* «ЎТА». *Дарё, анҳор оқсин чўл сари, Қулоч ёзсин дунё боғлари.* Қ. Муҳаммадий. *..халқ депутатларининг ташаббуси ҳам кенг қулоч ёйди.* Газетадан; 3) *асосан рвдш. шаклида* — **қулоч ёзиб** *айн.* **кучоқ очмоқ** *қ.* **кучоқ.** *Колхоз «областдан келган кекса, тажрибали ўқитувчи»ни қулоч ёзиб қарши олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қулоч отмоқ** 1) қўлларини галма-гал сувдан чиқариб ва ботириб, олдинга ҳаракатланмоқ (сузишда). *Мансур.. оқимга қарши қулоч отиб сузарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) *кўчма айн.* **қулоч ёзмоқ 2.** *Қиз темир қозиқ билан занг урди, овқатга чорловчи садо узоқларга қулоч отди.* Т. Расулов, Сарбон. **Қулоч тортмоқ** *махс.* Маҳси, этик кабиларнинг чокини тикишда икки сўзанга тақилган ипни икки томонга қулочлаб тортмоқ. *[Унсин] Тагига кичкина курси қўйиб, оёқларига дазгил чалмаштириб, эпчил қулоч тортарди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қулоч урмоқ** *кам қўлл. айн.* **қулоч отмоқ 1.** *Анҳор тўла қон. Аваз лопиллаб оқиб кетяпти. Қулоч уриб, соҳилга интилади.* С. Сиёев, Аваз.

2 Қулочнинг икки қўл учи бирлашган ҳолати; қучоқ. *Ерга чўпни тиқиб қўйсанг, кўкариб, қулочга сиғмас дарахт пайдо бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *..уюм-уюм тўплаб, кенг қулочига сиққанча кўтариб.. ташимоққа бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кам қўлл.* Ўлчами кенг, катта. *У кенг яғринли, қулоч кўкракли, бутун дов жуссасидан қувват барқ урарди.* Ойбек, Навоий. *Степан булғори этикнинг қулоч қадамларига зўрға етиб юрарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚУЛОЧКАШ 1: қулочкаш қилиб Қулочини ёзиб, қулочкашлаб. *Хушмўйлов йигит қулочкаш қилиб офицернинг калласига солмоқчи эди, Аҳмаджон қўлини тутди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *кўчма* Жуда узун, узундан-узун; жуда кенг. *Мажлисда нутқ қулочкаш, Сайрар томоқни қоқлаб, Машинадан бўлиб ғаш, Қўлда теришни ёқлаб.* С. Абдулла. *Ҳар бир қулочкаш шеър аруз бўлавермагандай, ҳар бир шеър ҳам қўшиқ бўлавермайди.* Т. Тўла, Қалбдан куйлайман.

3 *кўчма* Қучоққа сиғмайдиган, йўғон; қалин. *Ёв қўрғонини қамал қилиб, унинг қулочкаш баланд деворлари ёнига чодир ташлаган қўшин каби, одамлар тоғ этагига тўлиб кетдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУЛОЧКАШЛАБ *рвш.* Қўлларини, қулочини куч, шиддат билан ёзиб, шиддат билан қулоч отиб. *Қулочкашлаб урмоқ. Қулочкашлаб сузмоқ.* ▬ *[Комил Рустамов] Қаршида ўрмалагувчи фашист танкига қулочкашлаб граната ирғитди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *..кейин яна хаёл, яна қулочкашлаб ип тортиш. Баъзан минғирлаб ашула ҳам айтарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҚУЛОЧЛАБ *рвш.* **1** Қулоч билан, қулоч ёзиб, қулоч-қулоч қилиб. *Қулочлаб ўлчамоқ.* ▬ *Канални истаганча пухта ишлаб, Битирдик ҳам қулочлаб, ҳам қаричлаб.* Ҳабибий.

2 *айн.* **қулочкашлаб.** *Хон кетар ёрини йўқлаб, Урди отини қулочлаб.* «Муродхон».

ҚУЛОЧЛАМОҚ 1 Қулоч билан ўлчамоқ. *Арқонни қулочласам, йигирма қулоч чиқди.*

2 Қулоч ёзиб ушламоқ; қучоқламоқ.

ҚУЛОҚ I **1** Одам ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг эшитиш ҳамда мувозанат аъзоси ва унинг ташқи қисми. *Одамнинг қулоғи. Отнинг қулоғи. Қулоқ пардаси. Қулоқ супраси. Қулоқ касалликлари. Қулоққа болдоқ тақмоқ. Қулоғини (қулоғидан) чўзмоқ.* ▬ *Қий-чув, чағир-чуғур қулоқни кар қилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *..қўчқор қўнғироқли қулоқларини эркаланиб силкиди.* Газетадан.

Жон қулоғи билан *ёки* **жон қулоғини тутиб** Бутун диққат-эътибор билан; эшитишга бутунлай берилиб. *Мажлис аҳли унинг нутқини жон қулоғи билан тинглади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Миллатнинг буюк ўғлонлари, оқила ва зарифалари сўзлаганда, уларни жон қулоғимиз билан эшитамиз.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *..унинг гапларига жон қулоғини тутиб турган Нуқранинг секин нафас олиши — нафис кўксининг секин бориб келиши ҳам сезилиб турарди.* Мирмуҳсин, Нуқра. **Икки қулоғи** Ўрин келишигидаги сўз билан қўлланиб, бутун эшитиш, диққат-эътибор шу сўз билдирган шахс ёки нарсага қаратилганликни билдиради. *Тун ярмидан оғиб, атроф жимиши билан икки қулоғим деразада бўлади. Дераза тагига нўхатдек нарса тушса сезаман..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Оғзи қулоғида** Ниҳоятда хурсанд. *..жа хурсанд, оғзи қулоғида, йўрғалаганча кетяпти.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Тўранинг оғзи қулоғида, кўнгли нимадандир таскин топган эди.* Н. Фозилов, Дийдор. **Қулоқ бермоқ** *айн.* **қулоқ солмоқ 1.** *Муҳаррир.. бир ярим соат бекорга ўтган вақтга ачиниб, бизга қулоқ берди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Қулоқ-мияни емоқ** (*ёки* **қоқмоқ)** *қ.* **қулоқ-мия.** *Илгари.. «Эркак деган рўзғорри бут қилиб қўяди-да!» деб шанғиллаб, қулоқ-мияни ерди..* «Ёшлик». *Бувниса хола эрининг қулоқ-миясини қоқиб, шу йил Содиқжон каникулга келганида, албатта уйлантириб қўяжагини айтди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Қулоқ осмоқ** *айн.* **қулоқ солмоқ 1.** *Агар суриштириб, ҳақиқатни ўрнига қўяман деса, унинг ва у сингариларнинг сўзини ҳамма ерда тинглашади.* Р. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас. **Қулоқ солмоқ** 1) эшитиб эътиборини қаратмоқ; қулоқ тутмоқ. *Ҳамма жим туриб қулоқ солди. Ҳеч қандай овоз йўқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) қулоқ тутиб эшитмоқ; тингламоқ. *Раъно ҳам Анварнинг сўзига диққат билан қулоқ солар ва кўпинча ҳисобсиз саволлари билан уни кўмиб ташларди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 3) диққат билан тингламоқ ва уни ҳисобга олмоқ, унга амал қилмоқ. *Ҳусайн Бойқаро Навоийни қаттиқ ҳурмат қилади, унинг оқилона гапларига қулоқ солади.* «ЎТА». **Қулоқ тишлаш** *этн.* Болаликдан унашиб қўйиш (қулоқ тишлатиб). *Тўтихон билан Набижоннинг юлдузи бирбирига тўғри келмади. Ёшликдаги қулоқ тишлашлар ҳам чиппакка чиқди.* «Муштум». **Қулоқ тутмоқ** *айн.* **қулоқ солмоқ 1, 2.** *Эшик ёпилгач, бошлиқ зипиллаганча юриб, остонага яқинлашди-да, эгилиб, қабулхонага қулоқ тутди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Фотима бундоқ қулоқ тутса, маърузачиларнинг гаплари юз фоиз тўғри.* Т Ашуров, Оқ от. **Қулоқ эшитмаган** Ҳеч ким эшитмаган, ҳеч кимга маълум бўлмаган. *Замин қандайдир кучли қувватдан титраб кетди ва шу лаҳзада қулоқ эшитмаган портлаш рўй берди.* Газетадан. **Қулоқ қоқмай** Ҳеч қандай эътирозсиз, гап-сўз қилмай. *Бунинг ғайриқонуний эканлигини тушуниб турган йигит «жиндаккина» деб аталган 600 сўмни қулоқ қоқмай эплаштириб олиб*

келди. «Муштум». **Қулоққа олмоқ** Эшитиб, унга эътибор қаратмоқ, амал қилмоқ. *[Отабек] Гўё мажбурият остида ота насиҳатини қулоққа оладигандек бўйин эгиб ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қулоғи битмоқ** Эшитмайдиган бўлиб қолмоқ (асосан вақтинча эшитмай қолмоқ). *Муттасил портлашлар зарбидан Аҳмаджоннинг қулоғи битган, бирон жойга снаряд ёки бомба тушганини тупроқ кўтарилиб тушганидангина билар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Қулоғи динг** *қ.* **динг. Қулоғи динг бўлмоқ** (*ёки* **тиккаймоқ)** Бирор нарса таъсирида ҳушёр тортиб, эшитишга шайланмоқ. *Ҳасаналининг қулоқлари тиккайиб, ўрнидан турди, кўзи олаланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қулоғи йўқ** Гап уқмайдиган; қулоқсиз. *Қулоғи йўқ бола бўляпсан.* **Қулоғи остида** (*ёки* **тагида) қолмоқ** Ўлмоқ. *Қушхонага кириб, не кўз билан кўрай, миққийнинг қулоғи остида қолган, яъни ўлган эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Шундай қилинмаганда, ҳар икки томондан бир неча кишининг қулоғи остида қолиши турган гап эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Қулоғига айтадиган гап** Ҳеч кимга эшиттирмай, фақат ўзига айтиладиган гап. *..иккита хат ёзди. Биринчи хатку бошдан-оёқ «раҳмат»дан иборат эди, кейингисида «қулоғингизга айтадиган гапим бор» деган мазмунда шама қилди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт. **Қулоғига айтмоқ** Ҳеч кимга эшиттирмай, фақат ўзига айтмоқ. **Қулоғига етмоқ** Эшитмоқ (эшитилмоқ). *Бир кун Сирожиддиннинг: «Фармоновга ўхшаган амалдорлар нўноқ дорбозни эслатади», дегани Фармоновнинг қулоғига етибди.* Мирмуҳсин, Созанда. **Қулоғига (гап) кирмайди** 1) эшитмайди, тингламайди. *Олимжон, мани кўзим сандан бўлак болаларни кўрмайди. Сандан бошқанинг сўзи қулоғимга кирмайди.* Ҳамза, Танланган асарлар; 2) гап-сўзга эътибор қаратмайди; гапга парво қилмайди. *Бу боланинг қулоғига гап кирмайди.* ▬ *Унинг гаплари Меъморнинг қулоғига кирмади.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Қулоғига кирмоқ** Эшитмоқ, эшитилмоқ. *Ногоҳ от дукури кириб қулоққа, Чўчиб уйғонади кекса чол мудроқ.* А. Орипов, Юртим шамоли. **Қулоғига қуймоқ** Эсдан чиқмайдиган қилиб тушунтирмоқ, уқтирмоқ. *Элчида айб йўқ. У ўз ҳукмдорининг қулоғига қуйиб қўйган гапларини гапирди..* М. Осим, Тўмарис. **Қулоғидан кун кўринади** Жуда ориқ. *Қаранг, ҳаммасининг юзидан қони қочган. Қулоғидан кун кўринади.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Қулоғим сенда** Гапиравер, эшитаман (эшитяпман). *Хўп, қани, қулоғим сизда..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қулоғини бурамоқ** 1) жазо, танбеҳ тарзидаги бирор иш қилмоқ. *Бу бола қулоқсиз бўлиб кетяпти, бир қулоғини бураб қўйиш керак;* 2) маълум гап-сўзлар айтиб, ҳушёр қилиб қўймоқ, қулоғини пишитиб қўймоқ. *Ҳозир улар комиссияни кутяпти, ўқитувчиларнинг ҳам хўп қулоғини бурагандир, бир оз эсларидан чиқсин, кейин борамиз, деганди.* С. Зуннунова, Олов. **Қулоғини пишитмоқ** (*ёки* **пишиқтирмоқ)** *айн.* **қулоғига қуймоқ.** *Жўрахонни ҳам сўроққа чақириб қолишлари мумкинлигини ўйламаган эди. Қизнинг қулоғини пишиқтириб қўймаганига мана энди афсус еб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қулоғини ушлаб кетмоқ** Йўқ бўлмоқ. *Токи Яхшибоев қулоғини ушлаб кетмагунича чидашлари керак..* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Баъзи нарсаларнинг ушлаш, илиб қўйиш ёки маҳкамлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Челакнинг қулоғи. Ёғоч каравотнинг қулоғи. Чиғириқнинг қулоғи. Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса.* Мақол.

3 Бош кийимларнинг қулоқларни ва иякни ёпиб, иссиқ тутиб туриш учун тушириб қўйиладиган узун қисми. *Телпакнинг қулоғи.*

4 Баъзи механизм ва мусиқа асбобларининг бураб ишга тушириш ёки созлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Дуторнинг қулоғи.* ▬ *Машшоқлар ўз асбобларининг қулоқларини бураб, созини тўғрилашди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шу машинанинг қулоғини бурасанг, лаганча гир-гир айланиб, ашула, дутор-тамбур ванғиллайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ота радионинг қулоғини буради.* Н. Мақсудий, Юксалиш. *Манов боғични — парда, Манов ипни тор дейди. Манов — қулоқ, бу — харрак, Яъни эшак боладир.* Э. Воҳидов, Куй авжида узилмасин тор.

5 *с. т.* Автомобиль, трактор ва ш. к. машиналарни бошқариш учун хизмат қиладиган қурилмаси; руль. *Ҳушёрлик билан машина қулоғини бураб кетаётган ёш шофёр Козим, ўзининг ҳарбий ҳолатда эканини*

сезиб, ниҳоятда ғайратланган. М. Муҳамедов, Машқ.

6 *с. т.* Ўсимликнинг барг ёки ниҳол ёзадиган ери; дастлабки ниҳолча, баргча. *Уч юз гектарча ернинг ғўзаси учинчи марта экилди. Аммо биз ҳам бўш келмадик: ғўза қулоқ кўрсатди дегунча парваришлаб, яганалайвердик.* Й. Шамшаров, Енгиш. *Баҳор жалалари полларни сувга тўлдириб, шоли қиёғининг қулоғидан тортиб чиқарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ариқ бўйидаги икки қулоқ бўлган ялпизнинг ҳиди бирам димоққа ёқади.* Газетадан.

ҚУЛОҚ II **1** Сувнинг анҳор, канал, ўқариқ ва ш.к. дан кичик сув йўлига, ариқларга тармоқланиб ўтадиган жойи; даҳана. *Отанг мироб бўлса ҳам, қулоқнинг бошида бўл!* Мақол. ▬ *Тилим шўх яллада, доим хаёлимда баланд ҳосил, Фикр текис суғормоқ бўлса, зеҳним сув қулоғида.* С. Абдулла.

2 Шундай жойдан ўтадиган сув миқдори. [*Акбар аканинг кўзига*] *Шу қадимий дарёдан экинига бир қулоқ сув чиқариб ололмай армонда ўтган, бахт излаб элма-эл кезган ғурумсаройликлар кўринди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

ҚУЛОҚ III [*р.* кулак – мушт, муштум] *тар.* Қароллар, камбағаллар, умуман деҳқонларнинг ёлланма меҳнатидан фойдаланувчи катта ер эгаси, қишлоқ бойи; бой ёки ўртаҳол деҳқон (мустабид шўро тузуми 1929–33 йилларда бундай кишиларни «қулоқ – муштумзўр» номи остида синф сифатида тугатиш сиёсатини олиб борган). *Иш текширилди, Бозор ота.. аллақаердан қочиб келган қулоқ бўлиб чиқди.* А. Раҳмат, Варракчи чол. *Бултурги йил қулоққа чиқарилиб, Украинага жўнатилган Абдужалил тегирмончининг кичкина меҳмонхонаси «Чечан» колхозининг идораси эканлигини биз юқорида ўқиб билганмиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚУЛОҚДОШ Бошқалар билан биргаликда қулоқ солувчи, бирга эшитувчи. [*Султонбек Мадазимга:*] *Қулоқдош бўлиб тур. Турғунга айт, тайёр турсин!* К. Яшин, Пьесалар.

ҚУЛОҚЛАШМОҚ I Бир-бирининг қулоғига шивирлашмоқ, бошқаларга эшиттирмасдан маслаҳатлашмоқ. *Қорасочдан ҳирсли кўзларини узмаган бек, бой билан қулоқлашди.* К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё.

ҚУЛОҚЛАШМОҚ II *тар.* Қулоқ деб ҳисобланмоқ, қулоқ табақасига ўтмоқ. *Ўрта деҳқоннинг қулоқлашуви.*

ҚУЛОҚЛИ 1 Қулоғи бўлган, қулоғи бор. *Уч қулоқли қозон. Ғўза икки-уч қулоқли бўлгандаёқ культивация қилинади.* ▬ *Шу вақтда кампир икки қулоқли ёғоч от ясади.* «Эртаклар». *Булардан бири – нимча пўстин, қулоқли телпак кийган новча, жуда ҳам йўғон бир киши олдинда, Сафаров билан ёнма-ён келар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Гапга, сўзга кирадиган, қобил. *Қулоқли бола.*

ҚУЛОҚЛИК Бош кийимга қулоқ қилишга ярайдиган, етарли материал: қундуз, қоракўл териси ва ш.к.

ҚУЛОҚМА-ҚУЛОҚ *рвш.* Қулоқдан қулоққа эшитилиб, бир-биридан эшитиб. *Лектор галстугининг тугунини тез-тез ушлаб қўйишга ўрганиб қолган экан, орқада ўтирган бир қиз шу ҳақда бир нима деб, дугонасини кулдирди, бу гап қулоқма-қулоқ кетди.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон.

ҚУЛОҚ-МИЯ: қулоқ-мияни емоқ *ёки* **қулоқ-мияни қоқиб қўлига бермоқ** Гапиравериб, жавраб, шовқинлаб, жондан безор қилмоқ, мияни ачитмоқ. *Ит ангиллайвериб, қулоқ-мияни еди.* ▬ *-Шаҳарга холамизникига мени ҳам олиб боринг, – деб қулоқ-миясини едим.* Ойдин, Фонарь тагида. [*Ҳаитжон:*] *Бошинг айланиб кириб қолсанг, қулоқ-миянгни қоқиб қўлингга беради.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚУЛОҚСИЗ 1 Қулоғи бўлмаган, қулоғи йўқ. *Қулоқсиз қозон.*

2 Қулоғи кесик; чиноқ. *Қулоқсиз ит.*

3 Қулоғи эшитмайдиган; қулоғи оғир, кар. *Бу нарса қулоқсизлар учун ишланган асбоб, буни ҳар қандай қулоқсиз киши таққанда ҳам, энг аста товушларни эшита олади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 *кўчма* Гапга, сўзга кирмайдиган, қулоққа олмайдиган. *Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан, Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг ташидан.* Мақол. ▬ *Вой қулоқсизлар-ей.. Шошмай туринглар, дадаларинг келсин ҳали.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ҚУЛОҚЧИН Тушириб қўйиладиган қулоқлари бор иссиқ телпак. *Эҳсон Эртоев пальтосига ўралиб, қулоқчинини туширган-*

ча, қишлоқдан чиқиб кетди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Эгнида пўстин, бошида қулоқчин, оёғида пўстинли этик, бўйнида санитар сумкаси.* Ойдин, Суҳбати жонон.

ҚУЛОҚЧЎЗМА 1 *этн.* Бола туғилгандан кейин бир ҳафта ўтгач бериладиган зиёфат ва бу зиёфат вақтида кўзи ёриган хотин тишлаб турган иккита нонни олиб қочиш (нонни биринчи бўлиб узиб олган бола қочади, бошқалари уни қувлайди, қочган бола ушланса, «қулоқчўзма», деб унинг қулоғини чўзадилар).

2 *этн.* Бекинмачоққа ўхшаш болалар ўйини (бу ўйинда бир бола марра пойлайди, қолганлари унга тутқизмасдан маррага етиб келишга ҳаракат қилади, пойлоқчи қайси болани қувиб етиб, ушлаб олса, маррагача унинг қулоғидан чўзиб келади). *Болалар тўда-тўда бўлиб, ошиқ.. қулоқчўзма ўйнашади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

3 Уришиб, бир-бири билан сўзлашмай юрган болаларни қулоқларидан чўзиб, бирбирининг номини айттириб яраштириш.

Қулоқчўзма қилмоқ Қулоғидан чўзмоқ, танбеҳ бермоқ, жазоламоқ ёки яраштирмоқ. [*Алимов:*] *Ўринбосар бўлгандан кейин баъзан қўни-қўшни, эру хотин ўртасида бўладиган жанжалларга аралашиб, қулоқчўзма қилмасак ҳам, ҳар қалай, икки тарафнинг ўртасига тушган совуқчиликни кўтариб, уларни яраштириб қўямиз.* «Муштум».

4 Ёмон иш қилган боланинг қулоғини чўзиб танбеҳ бериш. *Қайнона қўлидан ёғлиқ чўзма егандан, Она қўлидан қулоқчўзма еган яхши.* Мақол.

ҚУЛП: қулп урмоқ 1) гуркираб, авж олиб кўкармоқ; яшнамоқ, гулламоқ. *Гулзорда ўсма, хина, райҳон ва жамбиллар қулп уриб ётибди.* ▬ *Эрта кўклам қулп уради тоғ лоласи.* «Қўшиқлар». *Менинг назаримда, ҳозир кўклам қулп уриб турганга ўхшайди.* П. Қодиров, Уч илдиз; 2) *кўчма* барқ уриб ривожланмоқ, тараққий этмоқ, гуллаб-яшнамоқ. *Қулп урасан савлат тўкиб кенг Осиёга, Машъал бўлиб нур сочасан шарқий самога.* Т. Тўла.

ҚУЛТ 1 *тақл. с.* Суюқликни ютганда ёки оғзи тор идишдан қуйганда эшитиладиган товушни билдиради (асосан, *этмоқ* ёрдамчи феъли билан ёки такрор ҳолда қўлланади). *Қулт этиб пиёладаги сувдан ичди.* ▬ *Мирёқубнинг қовоғи солинди, у анча вақтгача гапирмай, қулт-қулт чой ичди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. *Шишани бурнига яқинлаштириб, қизиқсиниб тикилди-ю, даст кўтариб, қулт-қулт ича бошлади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Умуман, томоғидаги бир нарсани ютмоқ; ютинмоқ. *Алишер алланимани қулт этиб ютиб, ақлининг сўзига киришга жазм қилди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *..юзини четга буриб, чуқур уф тортди, «қулт» этиб ютинди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 *шв. айн.* **қултум.** *-Мен ўйлайманки, — деди Эргаш, яна бир қулт сув ичгандан кейин..* С. Айний, Қуллар.

ҚУЛТИЛЛАМОҚ «Қулт-қулт» товуш чиқармоқ, қулт-қулт қилмоқ. *Шишадан қултиллаб тушаётган сув.*

ҚУЛТИЛЛАТМОҚ Қултилламоқ фл. орт. н. *-Сал хотинчалиш кўринади, — дедиароқни қултиллатиб ютгандан кейин Асқар полвон.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қимизфурушлар.. одамларнинг ташналигини қондиришдан хурсанд бўлгандек, тўрсиқнинг бўғзидан ушлаб, қултиллатиб қимиз қуйганлари қуйган эди.* М. Осим, Элчилар.

ҚУЛТУМ 1 Бир ютишли суюқлик миқдори; бир ютум. *Бир қултум сув.* ▬ [*Умарали ота*] *Пиёладаги сўнгги қултум чойни ҳўплаб, ўрнидан турди.* А. Ҳамдам, Қишлоқ оқшоми. *Пиёлани қўлига олиб, икки-уч қултум ютиб, бирдан ўхчиб юборди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Озгина, бир қатра (суюқлик ёки суюқ овқат ҳақида). [*Жамила:*] *Кетамиз! Бир парча куюк кулча, бир қултум шулон шўрвани ҳар жойдан ҳам топиб ичамиз!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ҚУЛТ-ҚУЛТ Қулт 1 с. такр. *Чолнинг томоғига бир нима тиқилгандек бўлди, қулт-қулт тупук ютинди ва гапира олмай турди.* А. Муҳиддин, Ёдгорликнинг тўйи. *[Шафтолининг] Секин пўстини арчисанг, оғзингга солиб, тилинг билан танглайингга боссанг-у, сувини қулт-қулт ютсанг.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

ҚУЛУН 1 Отнинг бир ёшгача бўлган боласи. *Тойчоқлар қулоқларини чимириб, кишнашиб, ўйноқлашиб, гала-гала бўлиб, қудуққа ташланишди. Биялар қулунлари орқасидан навбат кутиб турибди.* И. Раҳим, Ихлос. *Кунгай тарафларда ердан тафт кела бош-*

лаганда, қулун билан бияни етаклаб олиб чиқаман. С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 (*1-ш. эгалик шаклида*) Ўғил болаларни эркалатиш ёки эркалатиб мурожаат қилиш шакли. *Ҳой, отгинанг нима эди, қулуним, шўрванг совиб қолди!* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида. *Бош устингда туриб куйлай ўзим, Кир, қулуним, чойшаб қўйнига.* Миртемир.

ҚУЛУНЛАМОҚ Қулун туғмоқ. *Қора бия қулунлади, тойча қуйиб қўйгандек чавкарнинг ўзи эди.* «Ёшлик». *Буни қарангки, жонивор бегона уюрда қулунлабди.* Газетадан.

ҚУЛУНЛИ Қулуни бор, қулунлаган. *Қулунли бия овулга сиғмас.* Мақол. ▬ *Мулла Обид билан Усмон полвон қулунли бияни миниб юришга қарши.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҚУЛУНТОЙ Қулунчоқ, тойчоқ. *Алла, болам, алла-ё, Алла эркам, қулунтой.* «Бойчечак».

ҚУЛУНЧОҚ 1 Қулун с. кичр.-эркл. *Ухлар қирда бўталоқ, Олтин ёлли қулунчоқ.* Ғ. Ғулом.

2 *айн.* **қулун 2.** *Алла, болам, алла-ё, қўзичоғим, алла-ё, Эркин юртда туғилган, қулунчоғим, алла-ё.* «Қўшиқлар».

ҚУЛУПНАЙ [*р.* клубника < клубок – кесак, бўлак; юмалоқ нарса; ертут] **1** Раъногулдошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик, резавор экин. *Қулупнай машҳур ва кенг тарқалган ўсимликдир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 Унинг пушти-қизил рангли ширин, хушбўй меваси. *Қулупнай мураббоси.* ▬ *Қулупнай еб, кетидан хом сут ичиб касал бўлганларида, кунларига сен ярадингми, мен ярадимми?!* С. Аҳмад, Юлдуз.

ҚУЛФ [*а.* قفل – осма қулф; зулфин, тамба] **1** Эшик, сандиқ, жавон ва ш. к. ни калит билан беркитиш ва очиш учун ишланган махсус буюм ёки мослама. *Найча қулф. Осма қулф. Ич қулф. Дарвоза қулфи. Эшикка қулф солмоқ. Қулфни очмоқ.* ▬ *Кутубхона эшигидаги қулфни кўриб, ҳайрон бўлди.* «Ёшлик». *Санобархон дарвозани устидан кичкина босма қулф билан шарқ этиб беркитди-да, Адолатга эргашди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Турли нарсаларнинг, буюмларнинг беркитиладиган қисми. *Соат занжирининг қулфи.* ▬ *Ҳаммага маълум икки қулф, икки белбоғли сариқ портфелини кўтариб, мактабга жўнади.* Мирмуҳсин, Умид.

3 *кесим взф.* Қулфлаб қўйилган, берк. *Дарвоза қулф. Магазин қулф. Бордик – эшик қулф эди.* ▬ *Ишхонангга бордим, аллақаёққа кетган, дейишди. Уйларингда ҳеч ким йўқ, қулф.* С. Зуннунова, Олов.

Оғзига қулф солмоқ (*ёки* **урмоқ**) 1) гапиртирмай қўймоқ, оғзига урмоқ. *Унинг жавоби барчанинг оғзига қулф солди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар; 2) ҳеч нарса дея олмайдиган қилиб қўймоқ. *Алдамчи, риёкор, ғаламис сўзин Фош этиб, оғзига қулф урган сенсан.* Шуҳрат. **Қулф солмоқ** (*ёки* **урмоқ, осмоқ**) Қулф қўйиб беркитмоқ; қулфламоқ. *Дарвозага қулф солиб қўйибди.* ▬ *Ота эшикка қулф уриб, болани опичлаганича, идора тарафга кета бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ. **Қулфи дил** Ички сир, юракдаги, айтилмаган, аён бўлмаган мақсад, орзу-истак ва ш. к. *Унинг* [*қизининг*] *қулфи дилини билмаслик – бу чиндан ҳам кулгили бир нарса эди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. **Қулфи дили очилди** 1) сирини, юракдаги борини айта бошлади, ёрилиб гапирди. *Қизнинг ҳам қулфи дили очилиб кетди. Бошидан ўтганларининг ҳаммасини сўзлаб бергиси келиб қолди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар; 2) кайфи чоғ бўлди, хурсанд бўлди, баҳридили очилди. *Кенг пахтазорни қоплаган яшил кўрпанинг сермавж тўлқини далаларга чунонам файз киритдики, кўрган кишининг кўзи қувониб, қулфи дили очилади.* Ҳ. Назир, Индамас.

ҚУЛФ-КАЛИТ: қулф-калит қилмоқ 1) қулфланадиган, калит билан очиладиган қилмоқ; 2) *кўчма* рухсатсиз бирор жойга бормайдиган, бирор иш қилмайдиган қилмоқ, қаттиқ таъқиб ёки назорат остига олмоқ. *Эртаклардаги ялмоғиз сингари, катта бувиси уни қулф-калит қилиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУЛФЛАМОҚ Қулфни калит солиб бураб, очилмайдиган қилмоқ (*қ.* **қулф 1, 2).** *Пайғомов дарвозани қулфлаб келган шофёрнинг қўлидан калитни олди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *..чопиб бориб, ўз хонасига кирди. Эшикни қарсиллатиб ёпиб, қулфлаб олди-да, ўзини диванга ташлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Элмурод.. квартирасини қулфлаш олдидан хром эти-*

гини, янги бўлишига қарамай, мойлади. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚУЛФЛИ Қулфи бор, қулф солинган. *Олтин қулфли дарвозадан Ҳаммани ўтказамиз.* «Бойчечак».

ҚУЛФЛОҚ Қулфлаб беркитилган, қулф солинган; қулф. *Эшик қулфлоқ экан.* ▬ *Келгунча анча вақт ўтади. Келса — дарвоза қулфлоқ!* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ҚУЛФЛОҚЛИК *айн.* **қулфлоқ.** *Қулфлоқлик магазиндаги ун, ёғ, чой, ширинлик каби буюмлар димиқиб, расвоси чиқмадимикин?* «Муштум».

ҚУЛФСИЗ Қулфи йўқ, қулф солинмаган. *..ичкаридан ҳеч ким чиқмагач, тоб ташлаб қолган қулфсиз, тамбасиз ёғоч эшикни итарди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ҚУЛФУРУШ *тар.* Қул олиб-сотиш билан шуғулланувчи одам, қулжаллоб.

ҚУЛФЧИ Қулф ясайдиган ёки қулф тузатадиган уста.

ҚУЛЧА I **1 Қул** с. кичр.

2 Қул бола. *Ўрмонбек камончага ўқ қўйиб отар, ўқлар кўкка кўтарилиб, турли масофага бориб тушар, қулчалар отилган ўқларни териб келиб, Ўрмонбекка берар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚУЛЧА II *рвш.* **1** *айн.* **қулларча**. *Қулча бош эгиб таъзим қилиш.*

2 Қулга тенг келадиган даражада, қул даражасида. *Кал эшонга отдилар, уч пулча қадрим йўқмиди? Бир қулча қадрим йўқмиди?* «Фольклор».

ҚУЛЧИЛИК 1 Қулликдаги ҳақ-ҳуқуқсиз ҳаёт, ҳолат; қуллик. [*Йўлчи:*] *Қулчиликдан чиқмоқчи бўлсак, курашга бел боғлашимиз керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **қулдорлик 2.** *Қулчилик жамияти.*

Қулчиликка келмоқ *с. т.* Совчи бўлиб келмоқ. [*Аширмат:*] *Қофияси келганда айта қолай, мен остонангга қулчиликка келдим.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ҚУЛҚУЛ *с. т.* Курка; курка товуқ.

ҚУЛ-ҚУЛ *тақл. с.* Оғзи тор идишдан суюқлик тушаётганда чиқадиган товушни билдиради. *Қул-қул қилмоқ* (*этмоқ*).

ҚУЛҚУЛЛАМОҚ «Қул-қул» товуш чиқармоқ. *Графиндаги сув қулқуллаб қуйилар эди.* ▬ *Дарё-адирлар манзараси, қулқуллаб оқаётган каналдан эсган ёқимли шабада ҳар қандай одамни ҳам маҳлиё қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚУЛҚУЛУМ: ҳавзи қулқулум 1) афсонавий тагсиз чуқур ҳовуз, қудуқ; 2) *кўчма* кўп овқат ейдиган, унча-мунчага тўймайдиган киши ёки ҳайвон; мечкай.

ҚУЛҚ-ҚУЛҚ *айн.* **қул-қул.** *Сой унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда тез оқар, «қулқ-қулқ» этган товушлар сув остида катта-катта тошлар юмалаётганини билдириб турар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҚУЛҒУНА Мохов касаллигининг оқадиган оғир тури. *Эҳтиёт бўлинг, бизнинг орамизда иффатлар ўғриси.. — Омон Асилов қулғунадай писиб юрибди.* Ғ. Ғулом, Халқ ҳукмига ҳавола.

ҚУМ I **1** Бир-бири билан бирлашмайдиган, майда заррачалардан ташкил топган чўкинди тоғ жинси (асосан қурилишда ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда хомашё сифатида фойдаланилади). *Қумдан қўрғон бўлмас.* Мақол. ▬ *..дарвоза олдига тўкилган қумда ўйнаб ўтирган болакайларга бирпас завқ билан қараб ўтирди.* Н. Аминов, Суварак. *Қурилиш материаллари оёқ остида тўкилиб, оҳак қумга, қум тупроққа қоришиб кетади.* «Муштум».

Қум соат Муайян миқдордаги қумнинг бир ёпиқ идишдан иккинчисига тор тешик орқали тушишига қараб вақтни ўлчовчи соат. *Ўрта асрларда бандли қум соатлар урф эди.* «Фан ва турмуш».

2 *айн.* **қумлик.** *Карвонлар қумда адашиб, саргардон бўлмайдилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бир йигит чироғи ўчирилган мотоциклини қуюндай учириб, қум ичкарисига кириб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 *сфт.* Қумга ўхшаш, майда. *Қум шакар.* ▬ *Жўрапошша бўйнидан қум марварид маржонини чиқарди-да, ипини шарт-шурт узиб, марваридларни кигизга тўкди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУМ II: **ранги қум ўчди** (*ёки* **оқарди**) *шв. айн.* **ранги қув ўчди** *қ.* **қув** III. *Света конвертни олиб очди, хатга кўз юритди-ю, ранги қум ўчиб кетди.* В. Ғофуров, Вафодор. *Келиннинг ранги қум оқариб кетган, дағдағ титрар эмиш.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ҚУМАЛАМОҚ *с. т.* Умбалоқ ошиб йиқилмоқ; юмаламоқ, думаламоқ.

ҚУМАЛОҚ Қўйнинг, туянинг юмалоқ-юмалоқ тезаги. *Кишининг дўпписи тор келганда, қумалоқни «кака» ҳисоблаб қолар эмиш!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Қўнғизлар эса орқаларига қараб юриб, тезакдан ясаган қумалоқларини аллақаёққа юмалатади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Кўпгина халқларда фолбинлар суяк, қўйнинг қумалоғи ва бошқа нарсалар билан фол очган.* «Фан ва турмуш».

ҚУМАНЖИР Иссиқ мамлакатларда ўсадиган, этдор пояли, тўп-тўп тиканаклардан иборат баргли ўсимлик; кактус.

ҚУМЗОР Қум билан қопланган жой; қумлоқ. *Қумзорларни саксовулзорга айлантирмоқ.* ▬ *Эргаш акам ҳам подасини тўплаб, қумзордан пастроқда ва шамолнинг эсиш йўлидан панароқда бўлган рўд [дарё, анҳор] қирғоғига суриб туширди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚУМЛАМОҚ 1 Кир, доғ ёки зангни кетказиш учун қум билан ишқаламоқ; қум билан тозаламоқ. *Пиёлани қумлаб ювмоқ.* ▬ *Мулла Обид зўр кетмонни қумлаб, ғалтакни сувлаб, бостирмага киргизиб қўйишга мажбур бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Қумга чўкмоқ, ботмоқ, кўмилмоқ; қум билан қопланмоқ. *Қайиқ қумлаб қолди.*

3 Тупроққа қум аралаштирмоқ.

4 *кўчма с. т.* Сирка билан қопланмоқ. *Боши қумлаб кетибди.*

ҚУМЛИ 1 Ичида, таркибида қуми бор. *Қумли қоп. Қумли тупроқ.*

2 Қум билан қопланган, қумдан ташкил топган. *Қумли саҳро.*

ҚУМЛИК Қум босган, қум билан қопланган кенглик. *Кичкина дарёлар Амуга етмасдан қумликларда ғойиб бўлади.* ▬ *Икки меҳмон яна отга миниб, қумликка қараб кетишди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ер-суви тортиб олиниб, кимсасиз қумликларга бадарға этилган бечоралар хонликда тўлиб ётар эди.* С. Сиёев, Аваз.

ҚУМЛОҚ 1 Қум босган, қум билан қопланган жой; қумлик. *Қумлоққа ботмоқ.* ▬ *Ҳаводан ёғаётган қум бир нафасда ерни қумлоққа айлантирди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ажабо, ҳеч гиё кўрмаган Қумлоқларда гул етишибди.* Э. Раҳим.

2 Қум аралашган, қуми бор; қумли. *Қумлоқ тупроқлар қовушмайди, балки намлигида чочилиб туради.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар. *Зеро, у тупроқ танламайди, тошлоқ, қумлоқ ерларда ҳам ўсаверади.* «Фан ва турмуш».

ҚУМОЙ Йиртқич қушлар туркумининг қарчиғайсимонлар оиласига мансуб, ўлимтиклар билан овқатланадиган йирик қуш. *Одатда, қумой, тасқара ва жўрчи каби қушларга ўлжа ҳар доим ҳам насиб этавермайди.* «Фан ва турмуш».

ҚУМОШ [*а.* قماش – газлама, мато; бўз; эски латта-путта] *эск.* Мато, газлама. *Ҳеч қандай уста ҳам тўқий олмайди Оламнинг мунчалик атлас-қумошин.* Ғ. Ғулом. *Жандамга кўҳан шоҳи қумошини алишмам..* Муқимий.

ҚУМОҚ Қум аралашиб, донадор бўлиб қолган; қумли. *Унинг ери қумоқ. Шунинг учун у доимо бир марта ҳайдалади.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ҚУМОҚ-ҚУМОҚ Дурда боғлаб, дурда каби майда, юмалоқ доналарга ажралиб турадиган; донадор. *Қумоқ-қумоқ асал. Қумоқ-қумоқ тупроқ.* ▬ *Тўқай ерларига бир-икки йил шоли экамиз, шўрини роса ювиб ташлагач, кузда ағдариб ҳайдаттирамиз, кўкламда қарабсизки, тупроғи қумоқ-қумоқ бўлиб қолади.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

ҚУМПИЁЗ Лолагуллилар оиласига мансуб, кўп йиллик пиёзли чўл ўсимлиги.

ҚУМРИ [*а.* قمری – ғуррак, қумри] **1** Каптарлар туркумига мансуб, қафасда ҳам урчийдиган сайроқи қуш. *Тоғлар, бўстонлар тўлди Қумрию булбул билан.* «Қўшиқлар».

2 Қумри (хотин-қизлар исми).

ҚУМСАБЗИ Соябонгуллиларга мансуб, илдизмеваси ейишли, кўп йиллик чўл ўсимлиги.

ҚУМСАҚИЧ, қумсағиз Мураккабгуллиларга мансуб, адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик каучукли ўсимлик.

ҚУМТОШ Қум зарраларининг ўзаро ёпишиб, бирикиб қотишидан ҳосил бўлган харсангсимон тоғ жинси. *Калтаминор усталари қаттиқ кулранг қумтошлардан ёрғучоқлар.. ясаганлар.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Бу туб қумтош устини шамол олиб келган қум қоплаб ётади.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

ҚУМУРСҚА Майда чумоли; умуман, ҳар қандай чумоли. *Бир қумурсқа бир дона донни тортса, иккинчи қумурсқа орқадан итариб, унга ёрдам беради.* С. Айний, Қуллар. *Баҳор ўзи бошқача фасл-да! Ерга офтоб тегиши*

билан қумурсқа инининг ёнида тупроқ уюми пайдо бўлади. А. Ҳамдам, Ҳамал кирди.

ҚУМУРСҚАДАЙ, -дек 1 Майда, чумолидай кичик. *Қумурсқадай майда қуртлар кун сайин бўй чўза бошлади.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

2 Жуда кўп, ғужғон ўйнаган, қайнаган. *Кўчаларда одам қумурсқадай.*

ҚУМ-ҚУМ Ҳисобига етиб бўлмайдиган; сон-саноқсиз, беҳисоб.

ҚУМҒОН Чой қайнатиш учун кўпинча мисдан ясаладиган, ичи қалай билан оқартирилган, кўзача шаклидаги дастали ва қопқоқли идиш; катта чойдиш. *Мис қумғон.* ▬ *Ўчоқнинг оғзида ўтга кўмилган қора қумғон вақирлаб қайнайди.* С. Анорбоев, Хотима. *Бўтабой қумғонга чой дамлаб олиб келди.* С. Аҳмад. Ҳукм.

ҚУНДУЗ 1 Сувсарсимонлар оиласига мансуб, қимматбаҳо мўйнали сутэмизувчилар туркуми. *Бу бехатар масканда бухоро буғуси, қундуз, қирғовул каби ҳайвонларни кўпайтириш кўзда тутилган.* «Фан ва турмуш». *Ҳавода ўйнайди юлдуз, Дарёда ўйнайди қундуз.* «Маликаи айёр».

Қундуз қош *ёки* **қоши қундуз** Чиройли, ўсиқ қора қош. *Шаҳло кўзлар, ўсиқ жингала киприклар, қундуз қош ва қора холлар ва бошқа латофатлар ўзига писанд бўлмадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *с. т.* Ёқага ёки телпак жиягига тутилган ўсиқ юнгли ҳар қандай мўйна. *Қундузи қалин бўрк.* ▬ *Лайлак қор уриб турар эди. Мунисхон ёқасининг қундузи билан бўйнини ўраб.. зинанинг охирги пиллапоясида тўхтаб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Қундуз (хотин-қизлар исми).

ҚУНДУЗИ Қундуз мўйнасидан тикилган. *Қундузи телпак.*

ҚУНИШМОҚ Совуқдан, касаллик ёки қўрқувдан бўйнини ичига тортмоқ; жунжимоқ, ғужанак бўлмоқ. *Оппоқ қор.. Қош қорайганда, юпун кийинган одамлар қунишиб, дилдирашиб, Бақақуриллоқ майдонидаги чойхонага томон кела бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..шунчалик девқомат бўлишига қарамай.. мулзамликдан, ўзи айтгандек, «кичкина бола»дек бўлиб, қунишиб ўтирарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Ҳасан сўфи ана шундай савол берилишини олдиндан билиб, қунишиб ўтирарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУНТ [*а.* قنوط — итоаткорлик; намозда тик туриш; ноумидлик, тушкунлик] Бирор ишни астойдил берилиб, сабр-тоқат билан бажариш иштиёқи; ҳафсала. *Қунт билан ўқимоқ. Қунт билан ўрганмоқ.* ▬ *Кўзлари ёниб турган ёшгина дўхтир Энани эринмай, қунт билан текширди.* «Ёшлик». *Ёш ишчининг қунт ва ихлос билан изланиши, жўшқинлик билан олға интилиши ўз самарасини берди.* Газетадан.

Қунт қилмоқ Қунт билан муносабатда бўлмоқ. *Назокат, табиатан, бир нарсага киришса, астойдил қунт қиладиган.. ўргатса, зеҳн қўйиб турадиган зийрак қиз эди.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Қунт қилса, бир амаллаб ўрганиб олади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҚУНТЛИ Қунт билан ишлай оладиган, ҳафсалали, серҳафсала, тиришқоқ. *Қунтли ишқибоз одам.* ▬ *Балки Машрабдаги ўзига хос хислатлар уни калавачи бўлишга даъват этгандир? Ахир у, биринчидан — саботли, иккинчидан — талантли, учинчидан — қунтли.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ҚУНТСИЗ Қунти, ҳафсаласи йўқ; қунт, астойдиллик билан ишлай олмайдиган; беҳафсала.

ҚУП(ПА)-ҚУРУҚ 1 Мутлақо қуруқ, жуда қуруқ, қоқ қуруқ. *Қуппа-қуруқ ўтин. Куз бўлса ҳам, кўчалар қуппа-қуруқ.* ▬ *Ёздагидай қуп-қуруқ кўчаларнинг чанги гирдоб уриб, одамнинг кўзини очирмас.* Ҳ. Назир, Эътиқод.

2 *кўчма* Ҳеч нарсасиз, ҳеч нарсаси йўқ, яп-яланғоч, шипшийдам. *Қуппа-қуруқ уй. Қуппа-қуруқ дастурхон.* ▬ *-Наҳотки қуппа-қуруқ жой бўлса? — деди кимдир ваҳимали ингичка товуш билан.* А. Мухтор, Туғилиш.

3 *кўчма* Қўлида, ёнида ҳеч нарсаси йўқ. *Қўлим қуп-қуруқ. Чўнтагим қуп-қуруқ* ▬ *[Мулларўзи:] Ундан сўнг айтинг, назрини дурустроққина қилиб берсин. Бу нима? Уч сафардан буён қуппа-қуруқ келади.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Мен икки қўлимни бурнимга тиқиб, шаҳарга қуп-қуруқ кириб келдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚУР I **1** Иш-ҳаракатнинг такрорланиш сонини билдиради; марта, дафъа, топқир. *Сен кетганингдан кейин бир-икки қур хўжайиннинг ошналари меҳмон бўлиб келишди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [*Ғуломжон*] *Ҳовлини яна*

бир қур кўздан кечириб, пастга тушди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Укам иморат қураётувди.. бир қур хабар ҳам олмадингиз.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

2 Давра; партия, гал (баъзи ўйинларда). *Майли, икки қур ўйнайман-да, кетаман.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 Гуруҳ, давра. *Яғрин ташлаб, елвагай, мағрур, бепарво, Бир қур йигитлар келар, енгил худди пар.* Ғ. Ғулом. *Самадлар кириб ўтиргандан буён уч қур янги меҳмонлар келиб кетган.* Ғ. Ғулом, Ёдгор.

ҚУР II Товуқсимонлар туркумига мансуб, ўрмонда яшайдиган, ов қилинадиган қуш.

ҚУР III *айн.* **қурай.** *Чўпонлар қур-ҳайтлаб қўйни ҳайдаган.* «Алпомиш».

ҚУР IV *тақл. с.* Бақа, турна кабиларнинг сайрашига ўхшаш товушни билдиради. *..турналарнинг майин қур-қурлари осмон гумбазида ажиб акс садо беради.* «Ёшлик».

ҚУР V Давра; давра ўртасидаги жой, майдон. *Кураш қилиб енгган, йиққанлар, Полвон бўлиб қурга чиққанлар.* Э. Раҳим.

Қур тортмоқ Давра қурмоқ, даврада бирга ўтирмоқ. *Нарида қур тортган икки йигитнинг гапларини чала-ярим эшитди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Чилбир чўлига, Ойна кўлига томошабин тўлиб, раста-раста, даста-даста қур тортиб ўтирди.* «Алпомиш».

ҚУРАЙ *унд. с.* Қўйларни ҳайдаш ёки чақириш учун ишлатилади.

ҚУРАЙЛАБ «Қурай, қурай» деб. *Ярим кечада, ой кўтарилгандан кейин, олдинма-кетин ҳуштак чалиниб, қурай-қурайлашиб, Кўктеракка қараб кета бошладик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚУРАЛАЙ 1 Кийик ёки оҳуларнинг ёш боласи.

2 *айн.* **қуралай кўз.** *Меҳрибон кўзлари жигарга мойил, қуралай..* «Ёшлик».

Қуралай кўз Қуралайнинг кўзига ўхшаш кўзли. *Қуралай кўз, бодомқовоқ, сарв қомат..* С. Сиёев, Аваз.

ҚУРАМА I **1** Ҳар хил тус, кўринишда бўлган; турли хил, ҳар хил турдаги. [*Полвон*] *Махоркани бежаб ўраб, сал эшитиларли товуш билан қурама ашулаларни ғинғиллай бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Шаҳар аҳолиси қурама. Унда ҳар хил миллатларга мансуб кишилар – каннаралар, ҳиндлар, малайялар, тамиллар яшайди.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Баширжон газетани очиб, парварда, шоколад, шўрданак ва қора-майиз аралаштирилган қурама ширинликлардан битта парвардани олиб, оғзига солди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 *айн.* **қуроқ** I **2.** *Қурама тўшакда чўзилиб ётганича, жажжи қўлчаларини унга чўзарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *У қурама кийимдаги кишига норози кўзи билан қаради.* В. Ғофуров, Вафодор.

ҚУРАМА II Ўзбек халқи таркибига кирган этник гуруҳлардан бири: Ўзбекистоннинг Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида яшовчи ўзбек элати; шу элатга мансуб шахс ёки нарса. *Қурама аёли. Ўзбек тилининг қурама шеваси.*

ҚУРАМОҚ Турли қисм ёки унсурларни бир-бирига уламоқ, бириктирмоқ; улаб, қўшиб, бирор нарса ҳосил қилмоқ. *Кўрпа қурамоқ.* ▬ *Почамир вафот қилди. Дўстлари йиғлаб-йиғлаб, уни ювдилар. Кафанга пули йўқ. Кўкнор эзиладиган халталарни йиғиб-қураб, кафан тикдилар.* Фитрат, Қиёмат.

ҚУРБ [*а.* قرب – қариндошлик; яқинлик; қўшни(чи)лик] Жисмоний, моддий, маънавий имконият; куч, қувват. *Эй худо, учиб юрган паррандача қурб, манзилат бермас экансан, нима учун хотин-қизларни яратдинг?* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Фақирда қурб бўлса-ю, қани энди, сендан қочиб қутулса!* Ў. Ҳотамов, Қон ва сут.

Қурби етади (*ёки* **келади)** Куч-қуввати етади; жисмоний, моддий, маънавий имконияти бор (етади). *..ҳамиша писанд қилмай очиб-ёпадиган бу эшик тутқичини ушлашга энди қурби етмаётганини сезди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ёш эдим, дадам раҳматлининг бундан яхшироқ сигир сотиб олишга қурби етмаслигини қаёқдан билай?* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ҚУРБАҚА Сувда ва қуруқликда яшовчи думсиз жониворлар туркумининг бир тури; оёқлари сакраб юриш учун мослашган. *Қурбақанинг сайраши.* ▬ *Фарида қурбақа сузиш қилиб, қирғоққа қараб борар экан, сув пуркаб кулди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Қурбақа(нинг) салласи *қ.* **салла.**

ҚУРБОН [*а.* قربان – қурбонлик; қурбон бериш, фидо қилиш] **1** *дин.* Худо йўлида қурбонликка сўйилган ёки сўйиладиган жонлиқ. *Қурбон сўйиш.*

Қурбон ойи *айн.* **зулҳижжа. Қурбон ҳайити** *қ.* **ҳайит 1**.

2 *кўчма* Бирор эзгу иш, эзгу мақсад йўлида ёки севикли кимса, нарса ва ш.к. учун курашда ҳалок бўлган, жон фидо қилган киши. *Озодлик қурбони. Уруш қурбони.* ▬ *..ер куррасининг кўп қитъаларида бомбалар портлар, минглаб қурбонлар кўксида қон оқарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Уруш қурбонсиз бўлармиди.* С. Зуннунова, Олов.

3 *кўчма* Табиий офат, фалокат, кўнгилсиз ҳодиса, кимсаларнинг қилмиши, манфаати ва ш.к. туфайли ҳалок бўлган ёки катта зарар кўрган, қаттиқ азият чеккан киши. *Ёнғин қурбони. Зилзила қурбонлари. Жаҳолат қурбони. Урф-одатлар қурбони.* ▬ *Фарида Зокирни гуноҳсиз бир қурбон деб билиб, қаттиқ ачинди.* П. Қодиров, Уч илдиз. [*Ғуломжон:*] *Бўлиб ўтган мана шу гапларнинг ўзи туҳматчилар қурбони бўлиб турганимни исбот қилишга етиб ортади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қурбон бермоқ Кишиси (кишилари) қурбон бўлмоқ; катта зарар, талафот кўрмоқ. *Талай урушлар кўрдик, талай қурбонлар бердик. Гувоҳ — сочларда оқу манглайда ажинимиз.* Ғ. Ғулом. *Бепарво бўлмангиз, қўлдан кетмасин Сонсиз қурбон бериб қозонилган бахт.* «Шарқ юлдузи». **Қурбон бўлмоқ** 1) бирор сабаб туфайли, унинг йўлида ҳаётдан кўз юммоқ, ўлмоқ. *Халқ жиноятчи бўлиши мумкин эмас, қурбон бўлиши мумкин.* Газетадан; 2) *айн.* **қурбони бўлмоқ 2.** *Бир навжувон эрди ўзи хиромон, Ҳар ким кўрса, бўлур ҳуснига қурбон.* «Гулшанбоғ». **Қурбони бўлмоқ** 1) *айн.* **қурбон бўлмоқ 1.** *У бошқа катта жиноятларнинг қурбони бўлиб кетяпти-ку!* А. Мухтор, Кумуш тола; 2) жонини фидо қилмоқ, садағаси кетмоқ. *Яхшининг қурбони бўл, Ёмонни калтаклаб ур.* Мақол. ▬ *Аравадан нари анжир пишибди, Ўн тўрт яшар қизга ишқим тушибди. Ўн тўрт яшар қизнинг қурбони бўлсанг, Ўн тўрт тилло бериб қўйнингга олсанг.* «Қўшиқлар».

5 Қурбон (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҚУРБОНЛИК *дин.* **1** Худога яқинлашиш, унинг раҳм-шафқатига эришиш учун худо йўлига жонлиқ сўйиш; шу жонлиқнинг ўзи. *Қурбонликка атаб сўйган ҳайвон терисини сотган кишининг қилган қурбонлиги қабул бўлмайди.* «Фан ва турмуш».

2 Қурбон ҳайити кунларида худо йўлига жонлиқ сўйиб, кишиларга бериладиган зиёфат. *Эшон қўй сўйиб, қурбонлик қилди, кўп одамлар келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚУРГУР *айн.* **қурғур.**

ҚУРДОШ 1 Ёши тенг бўлган; тенгдош, тенгқур. *Қурдошларим орасида, ўз жанговар оиламда эканимни гўё ҳозиргина ҳис этиб, ногоҳ кучга тўлгандай бўлдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Юртимиз тинч, ободон, тўйинчилик баҳузур, Қурдошлар гурунгида биз ҳам соҳибнафасмиз.* Ғ. Ғулом.

2 Қурдош (эркаклар исми).

ҚУРДУМ: қурдум дарё *фольк.* Тубсиз, ютоқи дарё; денгиз. *Ҳой, қовоқни қуритдингку, қурдум дарёмисан!* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚУРЕЙ *айн.* **қурай.**

ҚУРЕЙЛАМОҚ *айн.* **қурайламоқ.** *Осмони заминда қайчига ўхшаб турна карвони, қўй ҳайдаган чўпондек, қурейлаб ўтяпти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Жануб томонга учиб, тепасидан дод солиб ўтаётган турналарнинг қурейлаши осмонни тўлдирган.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ҚУРИЛДОҚ Қуриллайдиган, қуриллаб сайрайдиган (бақа ҳақида).

ҚУРИЛИШ 1 Қурилмоқ фл. ҳар. н. *Бу биринчи навбатда қурилиши керак бўлган ўн икки уйни мўлжалдан бурунроқ битказишга имкон берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қуриш, бино этиш ишлари. *Уй-жой қурилиши. Қурилиш бошлиғи.* ▬ *Канал қурилиши штаби полвонлардан учта катта бригада тузишга қарор қилди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Уруш чиқиши билан қурилиш бир ой чамаси тўхтаб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Қуриш ишлари олиб борилаётган жой, қурилаётган объект. *Қурилишда ишламоқ.* ▬ *У кун сайин неча марта қурилиш атрофини айланади, ўз лойиҳасининг бажарилишини текшираётган архитектор каби синчиклаб қарайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚУРИЛЛАМОҚ 1 «Қур-қур» товуш чиқармоқ, «қур-қур» товуш чиқариб сайрамоқ. *Ироқ-ироқлардан бақаларнинг қуриллаши, чўпон итларининг улиши эшитилади.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 «Қулдур-қулдур» овоз чиқармоқ; қулдурламоқ, қулқулламоқ. *Ичкари қоронғи, ғовур. Одам кўп. Қаердадир чақалоқ инга-*

ламоқда. Қаердадир чилим қуриллайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚУРИЛМА Бирор мақсад учун хизмат қиладиган техник мослама ёки иншоот; установка. *Иситиш қурилмаси. Электрон қурилма.*

ҚУРИЛМОҚ Қурмоқ фл. мажҳ. н. *Бино ўтган йили қурилган. Қишлоқда янги йўл қурилмоқда. Уйга эшик, деразалар қурилди.* ▬ *Бу хонадоннинг ошхонаси бўлмагани учун бўлса керак, ҳалиги айвоннинг бир бурчагига ўчоқ қурилган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Янтоқ ғарами ёнига қурилган дошқозон олдида.. бир хотин буларни кўриб, ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚУРИМОҚ 1 Ҳўл, намликдан холи бўлмоқ, қуруқ ҳолга келмоқ (*қ.* **қуруқ 1).** *Ҳўл бўлган кийимлари офтобда тез қуриди. Арралаб, ёриб, тахлаб қўйилган ўтинлар яхши қуриди.* ▬ *Ғуломжонлар.. офтобда қуриб, тахта оралари катта очилиб қолган бир табақали эшикни тақиллатишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ипга чизилган жамбиллар қуриб, қовжираб қолган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Қўлтиғидан қоғозга ўралган, қуриб толқонланган носини олиб, тил остига отди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Суви тугамоқ (сув объектлари ҳақида). *Орол денгизи қуриб бормоқда. Яхши сўздан мой эрийди, Ёмон сўздан сой қурийди.* Мақол. ▬ *Ёзда чашма қуриб кетди..* «Гулнорпари».

3 *айн.* **қуруқшамоқ.** *Оғзи қуримоқ.* ▬ *Гапирай деса, оғзи очилмайди, лаблари қуриб, бир-бирига ёпишиб қолгандай.* «Шарқ юлдузи». *Оғриб қолди унинг нозик беллари, Ҳофизларнинг қуриб қолди тиллари.* «Маликаи айёр».

4 Ривожланиш, кўкаришдан тўхтамоқ; *зид.* **кўкармоқ.** *Экилган кўчатларнинг баъзилари қуриятпи. Қуриган гул. Майсалар сувсизликдан қуриди. Яшин урган сада қурий бошлади. Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол. ▬ *[Йўлчи] Экини қуриб қақраган камбағал деҳқонларга дўқ қилиб, ғалва кўтаришдан нафратланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мажнунтолнинг қуриб тушган шохлари ҳовуз бўйида ивирсиб ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..кўчани кесиб ўтган кичкина ариқ лабидаги ярми қуриган катта тол панасига ўзини олди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

5 Бутунлай тугамоқ, йўқ бўлмоқ; битмоқ. *Мушукка қанот битса, сичқон зоти қурийди.* Мақол. ▬ *Лутфулланинг кулбаси қуриб, қўлга илинадиган ҳеч нарса қолмади.* Мирмуҳсин, Ғурбатдаги одам. *Агар қишлоқда орияти бутун эркакнинг уруғи қуриб кетган бўлса, мана, ўзим гаплашаман сен билан.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

Ёстиғи қуримоқ Бирор ҳодиса, сабаб туфайли ҳаётдан кўз юммоқ; ўлмоқ (одатда кўпчиликка келган ўлимга нисбатан қўлланади). *Шундоқ ҳам кўп одамларнинг ёстиғи қуриди.* «Ёшлик». **Илиги қуримоқ** *айн.* **илиги пучаймоқ** *қ.* **илик. Ичи қуримоқ** Бирор нарсанинг бўлишини, унга эришишни, билишни жуда-жуда истамоқ, уни сабрсизлик билан кутмоқ. *Лекин ўзининг ичи қуриб, ёш боладай қувонгиси, қувониб, бутун Далварзинтепага овоза қилгиси келар эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ичим қуримаса, айтарман кимлигини. Миркомилга алоқадор гап бу.* М. Мансуров, Ёмби. **Шўри қуриди** *қ.* **шўр**. **Қуриб қолибдими** (*ёки* **қолганми**)? **қуриб кетибдими** (*ёки* **кетганми**)? Бошқаси йўқми, топилмайдими, топилмай қолдими? *[Хотин:] Худо кўтарсин сен мегажинни! Иккита болам бор! Бўйдоқ йигит қуриб кетганмиди?* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Отам билан онамнинг ризоликлари учун шундан бошқа сабаб қуриб қолганига нима дейишимни ҳам билмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қурсин** *ёки* **қуриб кетсин** *қарғ.* Ўлсин, йўқ бўлсин. *Менга тенгқур бўлолмайсан, Кўнглигинанг қуриб кетсин.* Пўлкан. *Қуриб кетгур шу ўтиннинг тутуни бирам аччиқ эканки!* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ҚУРИТГИЧ Қуритадиган, намини қочирадиган қурилма, асбоб, аппарат; сушилка. *Пахта қуритгичлари. Автоматик қуритгич шкафлар.*

ҚУРИТИЛМОҚ Қуритмоқ фл. мажҳ. н. *Қуритилган пахта.* ▬ *[Темир:] Уларни [душманларни] биз енгдик, бироқ уларнинг илдизлари ҳали батамом қуритилган эмас!* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ҚУРИТМОҚ Қуримоқ фл. орт. н. *Кир қуритмоқ. Саратон қуёши адирлардаги ўтўланларни қуритди.* ▬ *[Бектемир] Гулханни авжлантириб, кийимларини қуритди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Мўғуллар баркашни қуритиб, боғ ичига кириб кетишди.* М. Осим, Ўтрор. *Андижон зилзиласи.. Катта ариқнинг*

сувини қуритди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *«Наво»нинг сеҳрли савти Отабекнинг кўз ёшларини қуритди-да, бир енгиллик бағишлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Босган (*ёки* **қўнган) ерини қуритмоқ** Борган ерида ҳеч нарса қолдирмай йўқ қилмоқ, еб-ичиб, талаб битирмоқ. *Бундан буён боғимга қадам қўйманг, сиз бойўғлидан ҳам баттар нарсасиз! Қўнган eрингизни қуритасиз!* Мирмуҳсин, Чиниқиш. **Қадамини қуритмоқ** (*ёки* **қирқмоқ**) Қайтиб келмайдиган, қадам босмайдиган қилиб юбормоқ, йўқотмоқ. *-Тожибойни ишга солдим. У сенинг ўчингни олишга киришди — худо хоҳласа, бу ердан муаллимнинг қадамини қуритади, — деди вақти хуш Олахўжа махсум.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚУРИШ I **Қурмоқ** фл. ҳар. н. *Уй қуриш. Режа қуриш. Суҳбат қуриш. Мақсадимиз — адолатли жамият қуриш.*

ҚУРИШ II **Қуримоқ** фл. ҳар. н. *Эру хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши.* Мақол.

ҚУРМА *тар.* Деҳқонлардан олинган ҳар хил ғайриқонуний олиқ-солиқ, ўлпон. *Албатта.. пора, қурма, жузя, муҳрона деган турли-туман жабрли солиқлардан тўплайдилар.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ҚУРМАГУР *қ.* **қурмағур.**

ҚУРМАКОРЛИК *кам қўлл.* Қуриш ишлари; бино қилиш, бинокорлик. *[Раис Ўктамга:] Ҳосилни даладан йиғиб олайлик. Кейин қаттиқ киришамиз. Лекин сен қурмакорликни жуда яхши кўрар экансан.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚУРМАҒУР Ўлмагур, тушмагур, бор бўлгур, барака топкур (енгил койиш). *Қурмағур, яхши йигит. Ёш тракторчи бўлса ҳам, иши пишиқ, жонкуяр универсалчи.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Кўрса, «элчи» қурмағур касалхона дарвозасидан чиқиб кетяпти.* М. М. Дўст, Лолазор.

ҚУРМОҚ 1 Қурилма, қурилиш иншооти бунёд этмоқ, ясамоқ. *Уй қурмоқ. Қаср қурмоқ. Шийпон қурмоқ. Тўғон қурмоқ. Канал қурмоқ. Сарой қуриб, шаҳар бузма.* Мақол. ▬ *Ёру дўстлар билан ҳашарлашиб, бинойидай маскан қуриб олдим.* М. М. Дўст, Лолазор.

Ин (*ёки* **уя) қурмоқ** 1) ўзига яшаш жойи, макон ясамоқ, тайёрламоқ (ёввойи ҳайвон, парранда, ҳашаротлар ҳақида); 2) макон тутмоқ, жойлашмоқ, тўпланмоқ (ўғри, босқинчи, ғаламис ва ш.к. ҳақида). *Унинг ҳаромнамаклари ҳали кўп маҳкамаларда ин қурганлар.* Ойбек, Навоий.

2 Ўрнатмоқ. *Тандир қурмоқ. Уйга эшик қурмоқ.* ▬ *Сатторқул аканг уйини янги турмуш қилди; оқлатди, дарчанинг ўрнига дераза қурди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бир ердан ўчоқ қилиб, ошпалов қилмоқчи бўлиб, қозонни қурди.* «Нурали».

3 Ташкил этмоқ, барпо қилмоқ, тузмоқ. *Янги давлат қурмоқ. Янги жамият қурмоқ.*

4 Ташкиллаштирмоқ. *Ширин суҳбат қуриб қаймоқлашайлик..* Ҳабибий. *Ҳар қалай, Жўравой билан гурунг қуриб, тонг оттирай деди-ку.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Зериксангиз, шоҳона зиёфатлар қуринг, базмлар ясанг, ихтиёр сизда.* Ойбек, Улуғ йўл. *Бадиуззамон бекларини, ишбилармон йигитларини йиғиб, жангга ҳозирланиш тўғрисида кенгаш қурди.* Ойбек, Навоий.

Турмуш (*ёки* **оила**) **қурмоқ** Уйланиб, турмушга чиқиб, ўзаро оила тузмоқ. *Севишиб, ўлдим-толдим деб турмуш қурганларни кўряпмиз, кунора уйида жанжал..* Т. Ашуров, Оқ от. *Ойим билан дадам синфдош бўлганлар. Севишиб оила қурганларини эслашади.* «Ёшлик».

ҚУРОВ Яйловдаги йилқилар учун қурилган ёзлик отхона.

ҚУРОЛ 1 Ҳарбий яроғ, аслаҳа; жанг, уруш асбоби. *Отув қуроллари (милтиқ, тўп, пистолет ва ш.к.). Совуқ қуроллар (қилич, ханжар, пичоқ ва ш.к.). Қуроли йўқ жанг қилмас.* Мақол. ▬ *Полковник унинг пулемётини кўздан кечиргач, кулумсираб: -Қуролни яхши асрар экансиз, — деди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Улар капитаннинг командаси билан тепадаги самолётга барча қуроллардан бирданига, баб-баравар ўқ уздилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор ишда фойдаланиладиган, хизмат қиладиган ҳар қандай асбоб, мослама, қурилма, механизм, машина ва ш.к. *Ёзув қуроллари. Ўқув қуроллари. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар.* Мақол. ▬ *Қадимги мулкдорларнинг ҳосилдор ер ва боғларигина эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш қуроллари ҳам энди батамом колхозга ўтиши лозим эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Бирор мақсадга эришиш, уни амалга ошириш учун хизмат қиладиган ҳар

қандай восита; дастак, омил. *Тил кишиларнинг алоқа қуролидир.* ▬ *Зеро, ошкоралик жамиятимиз қонунларини бузаётган кимсаларга қарши қудратли қурол экан, бу ҳақда очиқчасига фикр юритишга жазм этдик.* Газетадан.

ҚУРОЛБАРДОР 1 Ўрта асрларда лашкарбошининг ёки рицарнинг қуролларини кўтариб юрувчи жангчи; умуман, қурол кўтарган, қуролланган жангчи.

2 *кўчма салб.* Ўз фикри, ақидаси бўлмаган, ўзгаларнинг фикрини, ақидасини кўтариб юрувчи ва уни тарғиб қилувчи маддоҳ. *Империализмнинг қуролбардорлари. Террорчиликнинг ғоявий қуролбардорлари.*

ҚУРОЛДОШ Бир жанговар қисмда, бир сафда хизмат қилган ёки хизмат қиладиган кишиларнинг бири (бошқаларига нисбатан). *Қуролдош дўстлар. Қуролдошлар учрашуви.* ▬ *Зебохоннинг қуролдошлари уни моҳир мерган сифатида ҳам билишарди.* Ҳ. Умаров, Хуш кўрдик, Зебохон. *Сафарали қуролдош дўсти Расулжон билан жанг майдонида жон аямас дўст тутинган.* Н. Фозилов, Дийдор. *..Чунки разведкага чиққанингда, қуролдошингга тўлиқ ишонишинг даркор.* Газетадан.

ҚУРОЛЛАНМОҚ 1 Жанг, уруш қуролига эга бўлмоқ; уни тутган, ундан фойдаланадиган ҳолатда бўлмоқ. *Душман ўта айёр ва яхши қуролланган.* «Шарқ юлдузи». *Қуролланган етти партизан оғир қадамлар ташлаб, хилват ва сўқмоқ йўллардан юриб, Мостовойнинг отрядига бормоқда.* А. Раҳмат, Соқов бола. *Танклар, самолётлар, турли қуроллар билан тиш-тирноғигача қуролланган душман ҳадеб Москвага интилар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Иш қуроли, воситалари билан таъминланмоқ. *Матқовул билан яна бир киши нарироқда замбил, кетмон, болға билан қуролланиб, тош-шағал таширди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қуролланмаган кўз билан кузатганда, юлдузларнинг бир-бирига нисбатан ўринлари ўзгармай қола беради.* «Астрономия».

3 *кўчма* Бирор мақсадга эришиш, уни амалга ошириш учун хизмат қиладиган воситаларни эгалламоқ, билиб олмоқ, ўрганмоқ. *Илғор ғоялар билан қуролланмоқ.*

ҚУРОЛЛАНТИРМОҚ Қуролланмоқ фл. орт. н. *Армияни қуроллантирмоқ. Қишлоқ хўжалигини энг янги техника билан қуроллантирмоқ.* ▬ *Халқ ўртасидан йигитлар тўплаб олсак ва бу кишиларни яроғ билан қуроллантирсак.* С. Аҳмад, Оқпадар.

ҚУРОЛЛИ 1 Уруш, жанг қурол-яроғлари билан таъминланган; қурол тутган, таққан, кўтарган; қуролланган. *Қуролли киши. Қуролли отлиқлар.* ▬ *Оқ ўтовни қуролли соқчилар қўриқлаб турардилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Қуролли кучлар Ҳарбий ҳаракатлар (ҳужум ёки мудофаа) олиб бориш ҳамда давлат хавфсизлигини сақлаш мақсадида давлат томонидан таъминланувчи қуролланган кишиларнинг уюшган бирлашмаси; ҳарбий қисмлар, армия.

2 Қурол кучи билан амалга оширилган ёки ошириладиган. *Қуролли қўзғолон. Қуролли тўқнашувлар.*

ҚУРОЛСИЗ Қуролланмаган, қуроли йўқ. *Хон қуролсиз халқнинг қонини тўкиб, зўрлик билан исённи бостирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУРОЛСИЗЛАНМОҚ 1 Қуролни ташламоқ.

2 Қуролли кучларнинг қурол-яроғларини чекламоқ, уруш олиб бориш воситаларини қисман ёки батамом йўқотмоқ.

ҚУРОЛСОЗ Қурол-яроғ ясовчи уста, ҳунарманд. *Темирчию қуролсозларнинг ўғилу набиралари ҳам шу касбни давом эттирганлар.* М. Сатторов, Ўзбек удумлари.

ҚУРОЛХОНА Ҳарбий қурол-аслаҳа ва шунга алоқадор нарсалар сақланадиган бино, ҳарбий омбор; қўрхона, арсенал.

ҚУРОЛ-ЯРОҒ Қурол ва яроғ; қурол ва аслаҳалар. *..Бўтабойни қурол-яроғ уйиб ташланган бир ҳужрага олиб киришди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қурол-яроғ, ўқ-дориларни олганимиздан кейин, командир батальонни сафга тизиб, кўздан кечирди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ҚУРОҚ I **1** *от* Улаб-қураб, бирор нарса ҳосил қилиш учун яроқли мато парчаси. *Бир қатор атторлар эски қоп, яғир шолча, йиртиқ бўз парчаларидан, қизил, оқ, кўк, яшил лахтак қуроқлардан турли-туман соябонлар ясаб, молларини бевосита ернинг ўзига уйиб қўйибдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ўртага новча қизиқчи чиқади. Чопони қизил, кўк, яшил, сариқ қуроқ латталардан ямалган.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *сфт.* Шундай қуроқларни бириктириб тикиб ҳосил қилинган. *Қуроқ дастурхон.*

Қуроқ ёстиқ. ▬ *Раис пешонасидаги оқиб тушаётган терни артиб, қуроқ билан безатилган ёстиққа ёнбошлаб, юзини шабадага бурди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қирларда қорнинг чоки сўкилган, ҳамма ёқ ола-була қуроқ кўрпага ўхшайди.* Ш. Ғуломов, Инсон қўли гул. *Усти-боши юпунди роса, Бор безаги бир қуроқ чопон.* Ҳ. Пўлат.

3 *сфт. кўчма* Майда бўлаклардан иборат, бўлтак-сўлтак, лахтак-лухтак, парча-пурча. *Қуроқ ерлар.* ▬ *Чўлдан қуроқ ҳам қолдирмабсиз, ота. Ободлик кишининг меҳрини тортиб, ўзига сеҳрлаб қўяди.* А. Ҳасанов, Чироқлар.

ҚУРОҚ II Қиёқнинг қуруқликда ўсадиган бир тури. *Чўлдан қуроқ еб тўйган, Елини сутдан қаппайган Анави чексиз сигирлар Овул ёққа йўл олган.* Ғ. Ғулом.

ҚУРОҚ III Катта варрак. *Қуроқ ясамоқ. Қуроқ учирмоқ.*

ҚУРОҚЗОР Нуқул қуроқ ўт билан қопланган ер, жой, майдон. *Тонг олдидан позицияга чиқиб, йўл четидаги қуроқзорга занжир-занжир бўлиб тарқалдик.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚУРРО [*а.* قرّاء – «қори» с. кўпл.] Қори; қорилар. *Илгарилари ундан юз ўгирган қорию қурролар яна уни ўз сафларига оладилар.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

ҚУРСОҚ 1 Ошқозон, қорин. *Қурсоғи оч. Қурсоғи тўйди.* ▬ *Уруш ҳамманинг тинкасини қуритган, қурсоғини бўшатган бўлса, уларнинг [бойларнинг] бошидан зар сочиб, қурсоқларини яна қаппайтирган.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Нафс қурсин.. Сиз ақллилик қилган экансиз, мулла Муҳсин, – дейди қурсоғини ишқалаб, – чоғи, қовуннинг тарраси ушлади мени.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ич, бачадон. *Инсон она қурсоғидаёқ авлод-аждодига хос бўлган бағритошлик ва жоҳилликни ҳам олади.* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар. *Она қурсоғидаги боланинг шаклу шамойили ўзгариб, қирқ кунда инсон қиёфасига кира бошлайди.* Газетадан.

ҚУРТ I **1** Узун танасини эгиб-ёзиб ёки жуда кўп оёқлари воситасида судралиб юрадиган умуртқасиз майда жонивор. *Кўк қурт.*

2 Баъзи ҳашаротлар, майда организмлар номи таркибига киради, мас., *шиллиқ қурт, эшак қурт.*

3 Баъзи ҳашаротларнинг тухумидан юзага келадиган ғумбак. *Олма қурти. Кўсак қурти.* ▬ *Майиз билан ўрикни бир оз қурт еган бўлса ҳам, пок-покиза уриб кетишибди, азаматлар.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Асосан тут барги билан боқиладиган, етилиб пилла ўрайдиган шундай ғумбак. *Қурт боқмоқ. Қурт тутмоқ.* ▬ *Ўтган йил баҳорда қуртга барг кесгани тутга чиқдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Миясига қурт тушмоқ Мияси айнимоқ. *Лекин буларнинг юзтасини қўшиб боғласанг, битта саржин бўлмайди. Шунчаки қўғирчоқлар, димоғи шишган пистафуруш билан миясига қурт тушган ғўзафуруш чол..* М. М. Дўст, Лолазор. **Товонига** (*ёки* **оёғига, пайтавасига) қурт тушмоқ** Безовта бўлиб, бирор нарса ҳаракатига тушмоқ. *Ўзлари йўл излаб, товонларига қурт тушиб қолсин. Улар ҳали Ортиқнинг совунига кир ювишмабди.* М. Мансуров, Ёмби.

ҚУРТ II *с.т. айн.* **қурут.** *Жавҳар ҳам ҳар кирганда қуртми, бир дона шоколадми ташлаб кетишни унутмасди ҳеч.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ҚУРТАВА, қуртоба *шв.* Қурут ёки сузмани қайнаган сувда эзиб тайёрланган, айрондан қуюқ парҳез овқат. *[Моҳира буви:] Ҳой, болам Қўчқоржон, болохонага чиқиб, бир коса қурт олиб туш. Бетобга жиндай сариёғ солиб, қуртава қилиб берай.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ҚУРТДАЙ, -дек 1 Қурт с. нинг ўхшатиш шакли; қурт каби. *Миясини эса ҳасад туйғуси қуртдек кемирмоқда эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Нақд ҳолда, нақдгина қилиб. *«Сирингни очаман» десам, уч тангани қуртдай санаб беради боёқиш.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ҚУРТЛАМОҚ Қурт босмоқ, қурт тушмоқ, танасида ёки ичида қурт пайдо бўлмоқ. *Олма қуртлаб кетибди. Сув қуртлаб кетибди. Қуртлаган гўшт.* ▬ *Патнисда арпа унидан ёпилган соползай нон, бир кафт қуртлаган туршак.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУРТЛИ 1 Қурт босган, қуртлаган. *Қуртли сув.*

2 Ичида қурт жойлашган, ичида қурт боқилаётган. *Қуртли олма. Қуртли қутича. Қуртли сават. Қуртли хона.*

ҚУРТЛОҚИ *шв.* Қурт босган, қурт тушган, қуртлаган. *Қуртлоқи гўшт. Қурт-*

лоқи сув. ▬ *Ифлос патнисларда «пуф деса, Бухорога учадиган» тахир чап-чап нон, қуртлоқи туршак, жийда.. тортилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУРТХОНА Ипак қурти боқиладиган, пилла етиштириладиган хона, уй ёки махсус бино. *Қуртларнинг тез ва яхши ўсиши учун.. қуртхона ҳавоси иссиқлигининг доим нормал бўлишини кузатиб туриш зарур.* А. Абдуазимов, Йиллар достони

ҚУРТЧИ *с.т.* **1** Ипак қурти боқиб, парвариш қилиб, пилла етиштирувчи, қурт боқувчи; пиллачи. *Донгдор қуртчи.*

2 *айн.* **қурутчи.**

ҚУРТЧИЛИК 1 Қуртчи иши, касби.

2 Қишлоқ хўжалигининг қурт боқиш, пилла етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси; пиллачилиқ.

ҚУРТ-ҚУМУРСҚА Турли майда ҳашаротлар, қурт ва қумурсқалар. *Аҳволимни сўрмадинг, Оқламадинг танамни, Қурт-қумурсқа талайди Эртадан кеч мевамни.* З. Диёр. *Косилка ортидан изма-из чуғурлашиб қалдирғочлар эргашар, улар ини бузилган қурт-қумурсқа ва юзага чиқиб қолган чигирткаларни овлашарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚУРУВЧИ 1 Қурмоқ фл. сфдш. *Қурувчи бригадалар.*

2 Қурилишда, бинокорликда ишловчи ишчи, мутахассис; бинокор. *У [Элмурод] кун сайин неча марта қурилиш атрофини айланади. Қурувчилар билан сўзлашади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Ҳаёт, тузум, давлат, жамият ва ш.к. ни барпо этувчи, яратувчи шахс. *Ватан кутар, аъло ўқиш — бизнинг бурчимиз, Улуғ ишда ҳиссамиз бор — ёш қурувчимиз.* И. Муслим.

ҚУРУЛТОЙ *тар.* **1** Туркий халқлар ва мўғул халқида қадимдан мавжуд бўлган турли ҳарбий кенгашлар ва мажлисларнинг умумий номи.

2 Ўзбекистонда ҳозир: бирор соҳа вакиллари иштирокидаги республика миқёсида ўтказиладиган катта йиғилиш. *Пахтакорлар қурултойи. Хотин-қизлар қурултойи.*

3 *эск. айн.* **съезд.** *Биз бугун партиямизнинг [Ўз ХДП нинг] IV қурултойига йиғилдик.* Газетадан.

ҚУРУМ I Асосан, углероддан ташкил топган, углеводород (бензол, керосин, нафталин ва баъзи табиий газлар) нинг чала ёниши ёки термик парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган қора рангли қаттиқ маҳсулот. *Мен, ўзи тор ва шипларини қурум босган кичкина бир меҳмонхонага кўчиб чиқдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚУРУМ II Тоғларнинг ёнбағирлари, ясси тепаликлар ва дарёлар ўзанларидаги яланг тош уюмлари ва сочилмалари.

ҚУРУМЛИ Қурум билан қопланган, тўлган; қурум босган.

ҚУРУМСОҚ Сарф-харажатдан, чиқимдан қочадиган; зиқна, хасис. *Қурумсоқ одам.* ▬ *Хасис, қурумсоқ, инсофсиз бойлар ва уларнинг фикрдошлари бўлган кишилар ҳолимиздан хабар олмас эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. -*Бахтимга қурумсоқ кампир йўқ экан, — деб қувониб гапира кетди Салтонбу.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУРУМСОҚЛИК Ўта зиқналик, хасислик. *Одамларнинг айтишларига қараганда, Абдулазиз азбаройи қурумсоқлигидан яхши еб, яхши ичишга, тузукроқ кийинишга пулини кўзи қиймас эмиш.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚУРУТ Сузмани ёнғоқдек-ёнғоқдек юмалоқлаб, 2—3 кун офтобга қўйиб қуритиб тайёрланадиган маҳсулот. *Сузма қурут.* ▬ *Шу кеча унга бошпана бериб, нон, туршак, майиз, қурут айрон билан меҳмон қилдилар.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан.

ҚУРУТЧИ *с.т.* Қурут тайёрловчи, қурут сотувчи.

ҚУРУШИҚ Қурушган, бурушган, бурушиқ. *Ўғлининг.. кичик қурушиқ юзига кун сайин қўшилган ажинлар ҳасрат, изтиробларини кўрсатар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

ҚУРУШМОҚ Қуриб бужмаймоқ, қовжирамоқ. *Қурушган олма. Лабим қурушиб кетяпти.* ▬ *Жағи қурушган, оғзи бурушган бир чол чопиб келиб, Ёдгорни айлана берди.* «Ёдгор».

ҚУРУШОҚ *кам қўлл. айн.* **қурушиқ.** -*Кесатмай қўя қолинг! — Шакар буви аразлагандай, қурушоқ лабларини бурди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ҚУРУШҚОҚ 1 Суви қочиб, қуриб бурушиб қолган, қовжираган. *Қурушқоқ олма.* ▬ *Ўз болаларидан.. иккитагина қурушқоқ лимонни аяйдирган ота қанақа ота ахир!* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

2 Ориқ, тиржиқ, тиржайган. -*Рост, мен унинг қўлида китоб тугул, газета ҳам кўр-*

майман, — деди Ўктам ва кулиб қўйди. — Кўпинча бир жуфт қурушқоқ эчкини боқиб юради. Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚУРУҚ 1 Суви, нами батамом ёки қисман қочган, сувини, намини батамом ёки қисман йўқотган; суви, нами йўқ ёки оз. *Қуруқ ўтин. Қуруқ шамол. Тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баравар ёнар.* Мақол. ▬ *Нормат ротага келиши ҳамон старшина Ваня Великан уни блиндажда ечинтириб, қуруқ кийимларга ўради.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тўтиқиз томнинг қуруқ кўкатлари устида кўчани томоша қилиб, гилос еб ётди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ёғингарчилик кам бўлган ёки бўладиган; ёғин-чочинсиз. *Қуруқ иқлим. Бу йил ёз қуруқ келди.*

3 Махсус қуритилган, қуриган. *Қуруқ мева. Қуруқ беда. Қуруқ чой. Қуруқ гўшт.*

4 Қуруқшаган, қурушиқ. *Қуруқ лабларини базўр қимирлатиб, ҳарсиллаб деди Гулнор: -Уҳ.. баданим ёниб боради.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Суви йўқ; суви қуриган. *Қуруқ саҳро. Қуруқ дарё.* ▬ *Карвонлар.. ўзгартирдилар йўлни, Ташлаб бу қуруқ чўлни..* З. Диёр. *-Ёзда бу ерга ҳам сув келади, — деди Ҳамиджон менинг қуруқ ғишт ариқларга тикилиб бораётганимни кўриб.* Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун.

6 *кўчма* Ичида ҳеч нарсаси йўқ, бўш. *Қуруқ уйга кўчиб кирмоқ. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади.* Мақол. *Номи улуғ, супраси қуруқ.* Матал. ▬ *[Бой] Хатни курси устидаги қуруқ патнис тагига қистирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мудофеларга инъомлар улашилиб битди-да, ҳудайчи ўзининг қуруқ хуржуни билан Азизбек қошига келиб қуллуқ қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Бирор нарса тўшалмаган, яланғоч. *-Остингга нима тўшайсан? -Қишда похол, ёзда қуруқ ерда ёта бераман.* С. Айний, Қуллар. *Гулнор айвонда қуруқ бўйра устида ўтириб, махси кийиш билан овора экан, Унсин кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 *кўчма* Ҳеч нарсасиз. *Тўйга қуруқ бормоқ. Бозордан қуруқ келмоқ. Овдан қуруқ қайтмоқ.* ▬ *Бўта қуруқ чойни нонсиз иссиқ-иссиқ ҳўплаб.. ўрнидан турди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Усмонжон уни [пулни] йўлкира қилиб, уйга қуруқ кириб келди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Қатордан қуруқ қолма Ҳамма қатори сен ҳам ўз улушингни, насибангни ол, маъноларида ишлатиладиган матал. **Қуруқ қолмоқ** Маҳрум бўлмоқ, бебаҳра, бенасиб бўлмоқ. *Паловдан қуруқ қолмоқ. Зиёфатдан қуруқ қолмоқ. Томошадан қуруқ қолмоқ.* ▬ *Ҳали Қумрига ишониб, Санобардан ҳам қуруқ қолмасам яхши эди.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Қуруқ қўймоқ** Маҳрум қилмоқ, бебаҳра, бенасиб қилмоқ, четда қолдирмоқ. *Тер тўкиб сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруқ.* Матал.

9 Фақат, биргина. *Мактабда шунақа нарсаларни ўргатмаса, нимани ўргатади? Қуруқ илм билан бола бола бўлар эканми?* А. Қаҳҳор, Айб кимда?

10 *кўчма* Амалга ошмайдиган, беҳуда, пуч. *Қуруқ хаёл. Қуруқ ваъда. Қуруқ гап қилмоқ. Қуруқ гап қулоққа ёқмас.* Матал. ▬ *Ўтган йил ҳам худди шундай бўлганди: Қуруқ сўзга силосхона тўлганди.* А. Пўлат. *Олифта йигит, қуруқ қочиримга бу белбоғлар ечилмайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

11 *кўчма* Таги пуч, асоссиз, уйдирма. *Қуруқ даъво. Қуруқ рақамлар.* ▬ *Даъвонгизга бирор исботингиз борми ёки қуруқ бир гапми, исбот қила оласизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қуруқ овоза — тураржой эмаслигини ўзинг ҳам билсанг керак, директор [деди Сувонқул].* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Юсуфбек ҳожи юқорида ўтган гапларни қуруқ ва асоссиз айтмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

12 Астойдил ёки самимий бўлмаган, шунчаки, юзаки. *Қуруқ пўписа. Қуруқ мулозамат. Қуруққина кўришмоқ.* ▬ *Лекин қуруқ дўқ қуруқлигича қолаверибди..* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Гап қуруқ бўлмасин учун, икки эллик хат ёзиб бер, олиб борай.* А. Қаҳҳор, Сароб.

13 *кўчма салб.* Бирор фойдали иш-амали йўқ, бирор маъно чиқмайдиган. *Қуруқ олим.* ▬ *Куролов дангаса эмас. Лекин ўта қуруқ одам, унда ирода деган гап йўқ.* Газетадан. *Клубда бу қадар совуқ, қуруқ кўринган бу одам шундай хушчақчақ, шундай гапга уста эканки, асти қўйинг.* А. Қаҳҳор, Куюшқон.

Аравани қуруқ (*ёки* **қуруқ аравани**) **олиб қочмоқ** *қ.* **арава. Ўзини қуруққа олмоқ** (*ёки* **тортмоқ**) Ўзини оқлашга уринмоқ, гуноҳсиз қилиб кўрсатмоқ. *Салим ҳам бутун*

айбни Йўлчига ағдариб, ўзини қуруққа тортди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУРУҚДАН-ҚУРУҚ *рвш.* **1** Ҳеч нарсасиз. *Тўйга қуруқдан-қуруқ борамизми?* ▬ *[Хайринисо Унсинга:] Вой, бу нимаси, жиндайгина ўтиринг, чой қилиб келай, қуруқдан-қуруқ кетаверасизми?* Ойбек, Улуғ йўл. *Бу хўжайиннинг жуда худо урган одам экан.. Бугун кечаси бир амаллаб қочамиз. Қуруқдан-қуруғ-а?* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, дабдурустдан. *-Қуруқдан-қуруқ «тиллани қайтариб бер» десак, қандай бўлар экан? — деб сўради подшо вазирдан.* «Латифалар». *Абдурасул.. ўзини қуруқдан-қуруқ катта ё билармон қилиб кўрсатишни истамас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚУРУҚЛИК **1** Қуруқ ҳолат, қуруқ эканлик. *Ўтиннинг қуруқлиги. Бу ерда ҳавонинг қуруқлиги дарров билинади.* ▬ *Лекин қуруқ дўқ қуруқлигича қолаверибди. Эртасига бозорларда, самоварларда одамлар бир-бирларига кечаги ҳазил ҳақида гапириб кулишибди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Сувсиз, намсиз, қуруқ жой, ер. *«Белни узатинг!» Йигит белнинг сопини узатди, уни қуруқликка чиқарди.* Ойдин, Гулсанам.

3 *геогр.* Ер юзасининг денгиз ва океанлардан, сув ҳавзаларидан холи бўлган қисми. *Дунёнинг уч қисми – сув, бир қисми – қуруқлик.*

ҚУРУҚЧИЛИК Ёз қурғоқ келган, ёғинсочин кам бўлган палла; қурғоқчилик. *Қуруқчилик бўлмайдиган районлар.*

ҚУРУҚШАМОҚ Курушмоқ; қовжирамоқ; қуриб қотмоқ. *Тилим қуруқшаб, томоғимни бадбўй дуд ачитди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Унинг лаблари қуруқшаган, кучли иситмада ёнган кишининг лабидай қорайган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Иссиқда қуруқшаб ғарчиллаётган этигининг ғарчини пасайтириш учун оёқ учида юриб, харсангга яқинлашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Обид Содиқович.. қуруқшаган лабларини тили билан ҳўллаб олди.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ҚУРЧ I *эск. айн.* **бронза.**

ҚУРЧ II Тиғиз, ниқ; заранг. *Қурч ер. Қурч бадан.*

ҚУРЧОҚ *шв.* Қўғирчоқ. *Қурчоқлар мингбошисининг шопи синиб қолган экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУРЧОҚБОЗ *шв.* Қўғирчоқбоз. *Ҳайдар қурчоқбозни.. ҳамма танир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚУРШАЛМОҚ **Қуршамоқ** фл. мажҳ. н. *Қуршалган ёв қўшини таслим бўлди.* ▬ *Ана, уч тарафи тоғлар билан қуршалиб, жануби пахтазор далаларга улашиб кетган кўм-кўк шаҳарча.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ҚУРШАМОҚ **1** Атрофлаб ўраб олмоқ, атрофи шахс ёки нарса билан банд этилган ҳолатда бўлмоқ. *Майдонни қуршаган одамлар курашни томоша қилмоқда.* ▬ *Машина тўхташи билан унинг атрофини болалар қуршади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳамма Султон амакини қуршаб, «Нима қиламиз», деб маслаҳат сўраяпти.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Атрофини чиқиб кета олмайдиган қилиб тўсмоқ, тутқун ҳолатга олмоқ. *Душман аскарларини қуршаб олмоқ.* ▬ *Эртасига ўрмон ичида маст-аласт бўлиб юрган.. каллакесарларни қуршаб олади ва қириб ташлайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *кўчма* Чулғамоқ, қамрамоқ. *Ямоқчи чолнинг вужудини қаҳр-ғазаб қуршаб олган, ҳаяжонланганидан қўли қалтирарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҚУРШОВ **1** Атрофлаб ўралган, қуршаб олинган ҳолат (*қ.* **қуршамоқ 1).** *Давронов.. болаларининг қуршовида тандирдан эндигина узилган нон билан нонушта қилиб ўтирган эди.* И. Раҳим, Ихлос. *Темурбек мулозимлари қуршовида бориб, ҳокимлик тахтига ўтирди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Чиқиб кета олмайдиган, атрофи тўсиб, ўраб олинган ҳолат (*қ.* **қуршамоқ 2).** *Беш марта қарши атака қилиб, ҳеч иш чиқара олмагандан кейин, энди қуршовда қолиб, жон талвасасига тушган душман ўрмонга кириб кетиш учун қандай уринишини.. тасаввур қилар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 *айн.* **қамал.** *Андижон қуршовда! Фитначи беклар Андижон тахтига Жаҳонгир мирзони ўтқизмоқчилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 *кўчма* Чулғаган, қамраган ҳолат (*қ.* **қуршамоқ 3).** *Равшан хола гоҳ кўнглини ёғдай эритиб, гоҳ оғир, дилтирнар ўйлар қуршовига берилиб хаёл суради.* С. Сиёев, Райҳон. *Бойдада муаллимнинг гапларини қайта-қайта эслар.. дам чигал, дам қандайдир жумбоқлар қуршовига тушиб қолгандай сезарди ўзини.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

5 Теварак, атроф. *Чаманзордир боғнинг қуршови, Чаҳ-чаҳ урар қувноқ булбуллар.* М. Шайхзода.

6 Атрофдаги муҳит, одамлар. *Характер жисм билан бирга айни бир вақтда туғилса ҳам, қуршов таъсирида вояга етади.* И. Раҳим, Ҳилола.

ҚУРЪА [*а.* قرعه – чек; тақдир; сайлов соққаси] **1** Тақсимланадиган нарсанинг кимга тегишини, навбатни ва ш.к. ни ҳал қилиш учун ташланадиган ёки олинадиган шартли белги; шартли белгили нарса; чек. *Қуръа ташлаб, навбатни аниқламоқ.* ▬ *Қуръага кўра, биринчи партияда оқ доналарни тож талабгори сурди.* Газетадан.

2 Фол очиш, фараз билан топишда фойдаланиладиган (ишлатиладиган) нарса(лар). *Жархун мастон қуръани қўлига олиб, Чамбилдаги воқеаларни, қандай қилиб дарвозадан кириш йўлини ахтарди.* «Нурали». *Халқнинг тақдирини мунажжимларнинг қуръаларига қараб эмас, балки ақл-идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Қуръа ташламоқ 1) бирон-бир ишамалнинг, ўйиннинг давраси, навбатини, бирор нарсага эгаликни қуръа орқали аниқламоқ. *Кеча дастурдаги спорт турлари бўйича ўзаро учрашадиган жамоаларни аниқлаш учун қуръа ташлаш маросими бўлди.* Газетадан. *Назоратчи қуръа ташлаш йўли билан абитуриентларни жойлаштиради.* Газетадан. 2) фол очмоқ; башорат қилмоқ. *Бу даврда юлдузларга қараб қуръа ташлаш – астрология (илми нужум) айниқса кенг ёйилди.* Газетадан. *Хаёл суриб қуръа ташлайман ва бу дунё сирларидан воқиф бўламан.* «Олтин бешик». *Бу ҳақда фалакшунос Дион қуръа ташлаб: -Бу гўдак улғайиб, шоҳ бўлади ва ўз отасини ўлдиради, — деб башорат қилади.* «Тафаккур».

ҚУРЪААНДОЗ [*а.* + *ф.* قرعه‌انداز – қуръа ташловчи, отувчи] Қуръа ташлаб фол очувчи; фолбин. *Шунда бутун қуръаандозлар, мунажжимлар йиқилдилар.* «Гўрўғли».

ҚУРЪОН [*а.* قرآن – ўқиш, қироат қилиш] **1** (*Қ – катта ҳарф билан*) Мусулмонларнинг Аллоҳ томонидан Муҳаммад пайғамбарга ваҳий орқали нозил қилинган, мусулмон динининг ақидалари ва қонунқоидалари тўпламидан иборат бўлган муқаддас китоби. *-Ёлғиз, ёлғиз битта китоб бор, – дўқ билан дейди Абдуллабой, – у оллонинг китоби – Қуръон.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қуръон оятлари қабристон ичида оғир оҳангда оқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шаҳзода.. кичкина нақшинкор токчада ипак болиш устидаги зар муқовали Қуръонни олди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қуръони каримда Од қавми тўғрисида жуда кўп оятлар нозил қилинган.* «Гулистон».

2 *с.т. айн.* **тиловат.** *Кеча ойдин, қабристон тип-тинч, узоқроқдан қуръон товуши эшитилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Фотиҳага келмабмидингиз? ..қани, айвонга! – деди-да, Акромхонни ёнига ўтқазиб, қуръон бошлади.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

Хатми қуръон *қ.* **хатм. Қуръон кўтармоқ** Қуръонни гувоҳ қилиб қасам ичмоқ. *Ҳатто у учта талабани ҳужрасига олиб кириб, чет элга кетишга қасам ичирди – қуръон кўтартирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Қуръон тушириш** *айн.* **хатм(и) қуръон** *қ.* **хатм.**

ҚУР-ҚУР I *рвш.* Вақти-вақти билан, гоҳо-гоҳо; ўқтин-ўқтин. *Тутқаноғи қур-қур тутиб туради.*

ҚУР-ҚУР II **Қур** с. такр. *Қур-қур қилмоқ. Қур-қур сайрамоқ.* ▬ *Тўра чилимни қур-қўр тортиб, киссасидан уч-тўрт тангани чиқариб, унга узатди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУРҚУРАМОҚ «Қур-қур» овоз чиқармоқ; «қур-қур» сайрамоқ. *Узоқларда турналарнинг қурқураши эшитиларди, турналар бошида етакчиси учиб борарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҚУРҒАМОҚ *шв.* Қуримоқ. *Бузилган қўрғончалар, қурғаган катта-катта чинорлар кўзга жуда хунук кўринади.* Уйғун, Турсуной. *Тўламат бўлса, лойгарчиликни баҳона қилди. Ҳаво очилиб кетса, бир-икки кунда ер қурғаб қолади, ўшанда пичанни ташиймиз, деб пайт пойлади, тўйларда юрди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚУРҒОҚ **1** Ёғин-сочин кам бўлган ёки бўладиган; қуруқ. *Ўрта Осиёнинг қурғоқ иқлими.* ▬ *..пахтакорларимиз эрта кўкламнинг қурғоқ келганлигига қарамай.. мурғак ниҳолларни усталик билан парвариш қиляптилар.* Газетадан.

2 Ўсимлик ўсиши, деҳқончилик учун сув, нам етарли бўлмаган; қурғоқчил. *Эҳтимол, шоли буғдой сингари қурғоқ ерга экилиб, ёмғир сувигина унга кифоя бўлгандир.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

3 *шв.* Қуриган, қуруқшаган, қуруқ. *Шимол.. экинсиз, жонсиз ётган қовжироқ ерлари, япроқлари сарғайган қурғоқ дарахтлари билан одамни ҳайратга солади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *с.т.* Ер шарининг қуруқ қисми, қуруқлик.

ҚУРҒОҚЛИК 1 Қурғоқ эканлик, намнинг, ёғин-сочиннинг камлиги. *Ҳар икки кунда бир суғориладиган бу боққа баҳорнинг қурғоқлиги унча таъсир қилмаган эди.* С. Айний, Қуллар.

2 *айн.* **қурғоқ 4.**

ҚУРҒОҚЧИЛ Деҳқончилик учун сув, нам, ёғин-сочин кам бўладиган; камсув; сувсиз, қурғоқ. *Республикамизнинг қурғоқчил иқлим шароитида ер билан сувни бир-биридан ажратиб бўлмайди.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ҚУРҒОҚЧИЛИК Ёғин-сочин меъёридан жуда кам бўлган, қурғоқ шароит. *Қурғоқчиликка чидамли дарахтлардан яна бири — майда баргли қайрағочдир.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бир йили қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, экинлар куйиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚУРҒУР Енгил койишни билдиради; қурмағур, тушмагур. *Қурғур, шахматни жуда яхши ўйнайди-да!* ▬ *Зап овози бор-да қурғурнинг!* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Ҳар ҳолда эсинг бутун-да, қурғур.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бу гапларни қурғур кампир айтади, Қорахоннинг кўнглин шодмон этади.* «Алпомиш».

ҚУСИШ 1 Қусмоқ фл. ҳар. н.

2 *тиб.* Меъда, диафрагма, қорин девори ва б. мушакларнинг спазматик қисқариши туфайли меъда ичидаги нарсаларнинг ғайриихтиёрий равишда оғиздан ташқарига чиқарилиши.

ҚУСМОҚ 1 Меъда ичидаги нарсаларни ғайриихтиёрий равишда оғиздан ташқарига чиқариб ташламоқ; қайт қилмоқ. *Кўнглим айниб, бир оз қусдим.* ▬ *Ўзбек ойим жом ушлаган, Кумуш жомга ўқчиб қусар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қон қусмоқ 1) оғиздан қон ташламоқ. *Кечаси бир зиёфатдан қайтиб, [бой] лахта-лахта қон қусди, азонга яқин жон берди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) қаттиқ азоб-машаққат чекмоқ, қийналмоқ. *[Салтонбу] Тўққиз болани катта қилгунча қон ютиб, қон қусган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма с.т.* Олганини, ўзлаштирганини қайтармоқ. *Қани, пулни қусиб қўйинг.* ▬ *Емоқнинг қусмоғи бўлади, домла. Бу дунёнинг ишларини жуда ҳам жўн билманг.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Тупроқ (нам) қусибди *с.т.* Тупроқ нам тортиб, намиқиб, қорамтир тусга кирибди. *Ҳар гектар ерда бир кеча-кундуз сув оқиб, тупроқ юзаси қорайиб, деҳқон тили билан айтганда, «тупроқ қусди».* М. Назаров, Жилвон жилвалари. **Қозон қусибди** Қозон деворларининг занглаши натижада овқат қорайиб пишибди.

ҚУСУР [*а.* قصور — камчилик, нуқсон; номукаммаллик; вояга етмаганлик] Меъёрийликни бузувчи белги; камчилик, нуқсон. *Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт, Қийнайди ўзидан ўтган қусурлар.* А. Орипов, Йиллар армони. *У бирон қусурни кўрса, очиқ айтади.* «Шарқ юлдузи».

Падар(и) қусур *қ.* **падар.**

ҚУСУРЛИ Камчилиги, нуқсони бўлган; нуқсонли.

ҚУСУРСИЗ Камчилиги, айби, нуқсони йўқ; камчиликсиз, бенуқсон. *Мен.. оиламизнинг ва унда яшовчиларнинг путурсиз ва қусурсиз, ҳамиша соғ-саломат бўлишларини орзу қиламан.* Ғ. Ғулом, Куёш оиласига салом. *Ношукурчилик қилма. Қусурсиз оила йўқ..* С. Нуров, Нарвон.

ҚУСУҚ Қайт қилиб ташланган нарса (овқат, сафро ва ш.к.). *Бу гал қусуқ бояги қатиқ аралаш кўкимтил ва сарғимтил нарсалар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Қусуғига ёнбошлаган бир бадмаст, разил-паст.* Ғ. Ғулом.

ҚУТ 1 Бойлик, бахт; барака. *Чақмоқ чақсин момақалдироқ, Майли кўкни қопласин булут, Шалоладай булутинг оппоқ, Ёғдиради сероблик ва қут.* Ю. Шомансур. *-Ишимизга қут киряпти.. — деди Ўктам.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Қути учмоқ Баракаси кетмоқ. *Назрниёзларнинг ҳам қути учиб, ҳассасига таянган эшон билан бирга яшашнинг қизиғи ҳам қолмади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Юз (бет)нинг ранги. *Энди хотиннинг ранг-қути жойига келган ва башарасидан қўрқиш аломати йўқолган эди.* С. Айний, Қуллар.

Қути ўчмоқ Ранги ўчмоқ; оқариб-бўзармоқ. *..хафалигим ошиб, уйга қуруқ қайтдим. Майда-чуйда кутиб ўтирган бола-чақанинг қути ўчди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚУТБ [*а.* قطب — айланиш ўқи ва унинг икки учи; машҳур, таниқли киши] **1** *геогр.* Ернинг фаразий айланиш ўқи билан ер сирти кесишган икки нуқтадан ҳар бири; ана шу нуқталар атрофидаги ер-жойлар. *Жанубий қутб. Шимолий қутб. Қутб доираси. Жанубий қутбда бир қанча илмий экспедиция текшириш ишлари олиб бормоқда.*

Қутб юлдузи Ернинг Шимолий қутбига энг яқин еттита ёруғ юлдуз, Кичик Етти Оғайни; Кичик айиқ; Олтинқозиқ, Темирқозиқ.

2 *физ.* Электр занжири ёки магнитнинг қарама-қарши икки томонидан бири. *Манфий қутб. Мусбат қутб.*

3 *кўчма* Бир-бирига мутлақо зид, қарама-қарши бўлган икки хил нарса, воқеа, ҳодиса ва ш. к. дан бири; қарама-қарши томон. *Бу усул натижасида «давр»нинг ҳар икки қутбга муносабатидаги катта тафовут янада жиддийроқ шаклда ифодаланади, контраст кучайтирилади..* «ЎТА».

ҚУТ-БАРАКА Қут ва барака; бойлик, фаровонлик. *Фарғона! Меҳмондўст, бағри кенг макон, Қуту баракадир босган изларинг.* Ж. Жабборов.

ҚУТ-БАРАКАЛИ Қут ва баракали, қут ва барака келтирувчи. *Қут-баракали пахта хирмонлари.*

ҚУТБИЙ [*а.* قطبى — қутбга оид; қутб томондаги] Қутбга оид (*қ.* **қутб 1**). *Қутбий доира. Қутбий иқлим. Қутбий станция. Қутбий экспедиция.*

ҚУТБЛАНИШ *физ.* Ёруғлик ва электромагнит тўлқинларининг маълум текисликда қутбларга ажралиш, тақсимланиш ҳодисаси. *Майдонга ўрнатилган диэлектрикда зарядларнинг силжиш жараёни қутбланиш деб аталади.* «Физика».

ҚУТБЧИ Қутб экспедициясининг қатнашчиси; қутб станцияларида ишлаб, қутбни тадқиқ қилувчи киши.

ҚУТИ [*а.* قوطى , قوطه — саватча, халтача] **1** Қулф-калитли кичкина сандиқча. *Ёшликдан бошлаб келинойиларининг сандиқларини, қутиларини тинтиб ўрганган Нури.. калити бурнида унутилган бир қутини очди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хат, газета, сайлов бюллетени ва ш.к. ташлаш учун махсус ясалган яшикча. *Сайлов қутиси.* ▬ *Хат тезда етиб борсин учун, эртасига шаҳарга бориб, уни тезюрар поезднинг почта қутисига солиб юборишди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

3 Ичига бир турдаги нарсалар жойланган ёки жойланадиган ҳар қандай идиш, яшик ёки коробка ва б. *Гугурт қути. Папирос қутиси. Икки қути кўк чой.* ▬ *-Акрамга икки қути конфет бер, — деб буйруқ берарди Отахон.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Пулемёт бузилмаган, ҳатто янги лента ўтказилган, нарида ўқ солинадиган иккита металл қути ҳам турибди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Деворда ёғоч телефон қутиси, бурчакда эса телеграф аппарати олдида.. бир қиз ўтирарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Йигирма грамм пилла қурти уруғи солинган махсус қоғоз коробка ва шу уруғдан чиққан ипак қурти. *Сатторқул баҳорда қари-қартангларни йиғиб: -Бекордан ҳамма безор, ҳеч бўлмаса бир қутигина қурт тутмайсизларми? — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚУТИДОР [*а. + ф.* قوطىدار — қути эгаси] **1** *эск.* Қути-қути пул-дунёси бўлган йирик бой; сармоядор. *Яна Ҳиротнинг донгдор қутидор боёнларидан бир нечасини.. кутиб туришганини кўрди.* Ойбек, Навоий.

2 *тар.* Қўқон хонлигида: олиқ-солиқлардан тўпланган пулларни қабул қилиб олувчи, сақловчи ва хон хазинасига топширувчи сарой амалдори. *-Ахир қутидор ҳам боobрў одам-да, — деди биринчи киши.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУТИДОРЛИК Қутидор лавозими. *Мен Тошкентда қутидорлик қилган вақтимда сиз беш-олти ёшли бола эдингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУТИЧА Қути с. кичр. *Гугурт қутича.* ▬ *Шу куни катта холасининг қутичасини титиб, Пастқўриқдаги шоликорлик ерининг васиқасини топиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи.

ҚУТЛАМОҚ Табрик, қутлов сўзларини айтмоқ; табрикламоқ, муборакбод этмоқ. *Ғалаба билан қутламоқ. Янги йил билан қутламоқ.* ▬ *Ашула тугагач, эътиборли бир одам келин билан куёвни қутлаб, бахт ва*

тотувлик тилади. Мирмуҳсин, Умид. *Хонқалик Нодир паҳлавон гурланлик кучли Қўчқор паҳлавонни йиқитди. Ҳамма гуркираб, Нодир паҳлавонни қутлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУТЛАШМОҚ Қутламоқ фл. бирг. н. *Байрам билан бир-бирларини қутлашди.* ▬ *Саҳархез чумчуқлар бир-бирларини қутлашиб, чирқиллашади.* Қ. Мақсумов, Муҳаббат қўшиғи.

ҚУТЛИ 1 Қут-баракали. *Оқ олтинни терган қўл Донгдор, қутли қўл бўлди.* Ҳабибий. *Нурга тўла, эркин, озод Қутли уйинг муборак.* Ғ. Ғулом.

2 *айн.* **қутлуғ 2.** *Унинг эгнида қадимона тикилган кенг, узун оқ шоҳи кўйлак (қутли кунда бурма кўйлак кийишни онаси ман этган), бошида байтлар ёзилган катта санама рўмол, оёқларида ипакдай майин гулдор маҳси.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУТЛОВ 1 Қутламоқ фл. ҳар. н. *Бир-бирини қутлов.*

2 Табрик; табрикнома. *Самимий қутлов.* ▬ *Тўй деганда кўз олдимизга оммавий шодлик, қўшиқ, музика, ўйин билан дўстлар хизмати, ёру қариндошлар қутлови, кексалар олқиши келади.* М. Алавия, Тўйларимиз ҳақида. *..дастурхон атрофида зиёфат, гурунг давом этди, янги меҳмонлар шарафига самимий қутлов сўзлари айтилди..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ҚУТ-ЛОЯМУТ [*а.* قوتلايموت — ўлмаслик учун, яшаш учун энг зарур ризқ-рўз]**, қути лоямут** Кундалик тирикчиликка етарли овқат, *Ўриндан туришга, қут-лоямут қидиришга мажбур эдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚУТЛУҒ 1 *айн.* **қутли 1.** *Ағдарма этикнинг чанги ҳам қутлуғ — Барака йилдаги хирмоннинг гарди.* Ғ. Ғулом.

2 Хосиятли, муборак. *Оиланинг янги аъзоларини янги ерда муборакбод этишиб, пойқадамлари қутлуғ бўлишини тилашди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 *айн.* **муқаддас.** *Бу қон энг қутлуғ.. энг соф қон.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Табрик, муборакбод сўзларига жавобни билдирувчи сўз. *-Мартабалари муборак бўлсин? -Қутлуғ, тақсир, қани, марҳамат қилсинлар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚУТЛУҒЛАМОҚ *кам қўлл.* Муборакбод қилмоқ; табрикламоқ. *Даста-даста сўлмас гуллар билан Қутлуғлайман озод элимни.* Миртемир. *Дўсту қардошингни қутлуғлаб борсанг, Давлатлардан ошиб байрам кунлари..* А. Мухтор.

ҚУТСИЗ 1 Номуборак; хосиятсиз. *Бундан беш кун бурун.. бобонгиз шаҳримизга қутсиз оёғини теккизди.* «Муштум».

2 Ранг-қути ўчган. *Шарофат хола шундагина.. унинг қутсиз юзини кўриб қўрқиб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

ҚУТУЛМОҚ 1 Кўнгилсиз, оғир, хавфли ва ш.к. ҳолдан халос бўлмоқ. *Хижолатликдан қутулмоқ. Хавф-хатардан қутулмоқ. Касалликдан қутулмоқ. Ташвишдан қутулмоқ.* ▬ *Сен қутулдинг қайғу, ҳасратдан.* Ғайратий. *Босиб келаётган ғашликдан қутулиш учун, чамадонидан икки-учта китобини олди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Сақланмоқ, омон қолмоқ. *Бир ўлимдан қутулдим. Қордан қутулиб, ёмғирга тутулмоқ.* ▬ *Сиз ўйлаган қадар осон эмас, афандим, гуноҳдан қутулиб кетишингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *«Комил балони билади, — деб ўйлади ичида бек, — Менинг қорабайиримдан қочиб қутулди у тулки!»* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Банди, тутқун каби ҳолатдан бўшамоқ, бўшаб чиқмоқ; озод бўлмоқ. *[Йўлчи] Қамоқдан қутулиб чиқса, уни бир кўрсам.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ташлаб, тарк этиб, барҳам бериб ёки воз кечиб халос бўлмоқ. *Чекишдан қутулди. Ёмон одатларидан қутулди.* ▬ *Агар шу ҳолда давом эта берсаларинг, икковларингга ҳам баравар жавоб бериб, қутуламан!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Режадаги иш, вазифа ва ш.к. ни бажармоқ, тугатмоқ, амалга оширмоқ. *Тўйнинг юмушларидан эндигина қутулган Йўлчи тўққиз ёғочли уйда.. ёлғиз ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Зиммадаги бурч, қарз кабилардан ҳисоб-китоб билан узилмоқ. *Нега қутулар экансан! Дадамнинг ҳақларини бериб, ундан кейин қутуласан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шундай қилиб, бой икки юз минг сўм учун берадиган закотдан қутулди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Қарзимиздан қутулсак, худога шукур, қутулмасак, яна бой елкамизда-да.* «Шарқ юлдузи».

7 *с.т.* Кўзи ёримоқ; бўшанмоқ, туғмоқ (ҳомиладор аёл ҳақида). *Эсон-омон қутул-*

дингизми, Салимахон, уй билан бўлиб, қутлагани ҳам келолмасам-а. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

Кўпдан қуён қочиб қутулмас Кўпчилик бирлашиб, ҳамма аҳиллик билан баравар ҳаракат қилса, ҳар қандай иш ҳам битади, маъносидаги мақол. *Олимлар бирон йўлини топаётгандир-да, топмайдиган бўлса, Аҳмедов акам айтмас эдилар. Олимлар ҳам бир бўлиб ишласа.. кўпдан қуён қочиб қутулмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Қочиб қутулмайди** Амалга ошмай, бажарилмай қолмайди. *Ёшлардан иш қочиб қутулмайди.*

ҚУТУРИШ 1 Қутурмоқ фл. ҳар. н. *Рашк асоссиз.. гумонлар жазавасининг қутуришидан бошқа нарса эмас.* Газетадан.

2 Ҳайвон ва одамларда вируслар қўзғатадиган, қутурган ҳайвон тишлаганда ёки сўлаги текканда юқадиган, марказий нерв системаси функциясининг издан чиқиши, томир тортишиши, фалажлик, ҳиқилдоқ ва нафас йўли мускулларининг спазми билан ўтадиган ўткир юқумли касаллик. *У ўзи бунёд қилган лабораториясида.. ўн йилча илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, куйдирги, бўғма ва қутуриш каби даҳшатли касалликларга дунёда биринчи бўлиб даво топди.* «Фан ва турмуш».

ҚУТУРМОҚ 1 Қутуриш касалига йўлиқмоқ. *Қутурган бўри. Ит қутурса, эгасини қопади.* Мақол. ▬ *-Э, мусулмон, нега қопмайди, дейсиз, бу ит қутурган-ку, ахир, — деди Тўқсонов ва дарров ёнидан қора тўппончасини чиқарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Жон-жаҳди билан, ўзини тутолмаган даражада, ёвузларча ҳаракат қилмоқ. *Белград атрофида бўлаётган жангда немислар қутуриб қаршилик кўрсатар эди.* Н. Сафаров, Дон. *Дадам қутуриб, қўлларига илинган нарсани улоқтирардилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 *кўчма* Босар-тусарни билмай қолмоқ, ҳаддан ошмоқ. *Ихлосманд кўпайса, эшон қутурар.* Мақол. ▬ *[Чайқовчи] Қутурмай ҳам нима қилсин. Чайқовчиликда айбланганларнинг устидан судлар шу қадар юмшоқ ҳукм чиқарадики, билмайсан киши: жазо бердими, насиҳат қилдими.* А. Қаҳҳор.

4 *кўчма* Зўр куч, шиддат билан юз бермоқ, содир бўлмоқ; авжига минмоқ. *Бўрон қутурмоқда.* ▬ *Сув қутуриб келяпти, паромни чирпирак қилиб олиб кетади.* С. Аҳмад, Иқбол чироқлари. *Айрим жойларда ёнғин қутуриб, ўз ўлжасини катта иштаҳа билан ютмоқда.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Қутурган шамол томни учириб кетгундек увиллайди.* «Ёшлик».

ҚУТУРТИРМОҚ 1 Қутурмоқ фл. орт. н. *Бебилиска топилган ҳаром пуллар қутуртирган, ҳар хил номуносиб йўллар билан мансабга миниб олган айрим шахслар халқни худди Мирҳосилдай менсимай қўйишади.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. *Жангчиларимизнинг эгилмас ботир руҳи душманни баттарроқ қутуртирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Бировга қарши қўзғамоқ; гижгижламоқ. *Ёмон кўрадиган бўлса, сизлар сабабкор. Халқни менга қарши қутуртириб юргансизлар.* Уйғун, Навбаҳор. *-Эй тўрам, ишбузуқи ўша, — деди навкар секингина [Полвонни кўрсатиб], — одамларни менга қарши қутуртиряпти.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУТҚАЗМОҚ *айн.* **қутқармоқ.** *Отабек жавоб ўрнига Кумушнинг юзидан ўпди.. Кумуш ўзини қутқазиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дастёр бўлиб қолган қизлари, айниқса, катта қизи Башорат уни [Онахонни] кўпдан бери рўзғор ташвишидан қутқазган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚУТҚАРИШ 1 Қутқармоқ фл. ҳар. н. *[Хонзода:] Мақсадинг эрингни қутқаришми?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Сақлаш, қутқариб қолиш ишлари. *Қутқариш чамбараги. Қутқариш бригадаси. Қутқариш қайиғи.*

ҚУТҚАРМОҚ 1 Кўнгилсиз, оғир, хавфли ва ш.к. ҳолдан чиқармоқ, халос қилмоқ. *Азобдан қутқармоқ. Хижолатдан қутқармоқ. Ўлимдан қутқармоқ. Шарманда бўлишдан қутқармоқ. Тилни тийган бошни қутқарар.* Мақол. ▬ *Худо хайрингизни берсин.. мени ташвишдан қутқаринг.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Бўшатмоқ, чиқариб олмоқ, озод қилмоқ. *Қамоқдан қутқармоқ.* ▬ *[Отам билан онам:] Тоза шарманда бўлдик. Беш-олти йилга кестириб юборса, сени қандай қилиб қутқариб оламиз?* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Халос, хориж қилмоқ. *Ичкиликбозликдан қутқармоқ. Қарздан қутқармоқ.*

ҚУТҚАРУВЧИ 1 Қутқармоқ фл. сфдш.

2 Халос қилувчи, озодликка чиқарувчи. *Қутқарувчи куч. Қутқарувчи армия.*

ҚУТҚУ Ёмон ишга, йўлга ундовчи, оёқлантирувчи даъват; тескари ташвиқот; гижгижлаш. *-Менга қара, ҳой Тўлаган, — деди Бўтабой ака унинг елкасига қўлини ташлаб, — яхши иш қилмаётибсан. Иғвогарларнинг иғвосига, муштумзўрларнинг қутқусига учмагин. Бир вақти келиб пушаймон бўласан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Адаш полвон одамларни ҳеч вақт қутқуга, бошбошдоқликка даъват этган эмас.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҚУЧМОҚ 1 Қучоғига олмоқ; қучоқламоқ. *Ойхон чаққон бориб, унинг белидан қучди..* А. Мухтор, Кумуш тола. *Рўпарасида ўн беш кунлик ойдек бўлиб севгилиси турса-ю, уни қуча олмаса.* Т. Ашуров, Оқ от. *Яширай деб кўзда ёшини, Қучиб олди қизнинг бошини.* Э. Раҳим.

2 *кўчма* Ўраб, қамраб олмоқ; қопламоқ, чулғамоқ. *Уч қадрдон, шўх опа-сингил Зулмат қучган қора ўрмонда..* Х. Даврон, Қақнус. *Оҳ, у дамлар!.. Эсласам, қалбимни қувонч, руҳимни шодлик қучади.* М. Жабборов, Севинч ишлари. *Қанот ёзган изғириқ Қучар юпун танларни.* Ғайратий.

3 Эришмоқ, қозонмоқ. *Ғалаба қучмоқ.* ■ *Пахтакор диёримиз катта зафар қучди. Улкан «оқ олтин» карвони маррага етди.* А. Дадабоев, Қутлаймиз. *Йилларки, шон қучган ҳар бир лаҳзаси, Ҳар бири асрдан вазмин, мазмундор.* Э. Раҳим.

Ер(ни) қучмоқ 1) ерга йиқилмоқ, ерга қапишиб қолмоқ. *Ваҳимага тушган генерал ханжарини ишга солмоқчи бўлганида, Мардонбек кекирдагига шундай мушт туширдики, тўтибурун ер қучиб қолди.* С. Азимов, Оппоқ қўшиғи; 2) ерга бағир бериб ётиб олмоқ, *Жангчилар бир зумда тарқалиб, ерни қучдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас; 3) қабрга кирмоқ, ўлмоқ. *Ер қучса-да жисмимиз, Ўчмагайдир исмимиз.* Ё. Мирзо.

ҚУЧОҚ 1 Икки қўлнинг олд қисмини бирлаштириб, оралиғига бирор шахс ёки нарса олинадиган (олинган) ҳолат. *Шаҳзодахон Олчинбекнинг қучоғидан зўрға суғурилиб чиқиб олди.* К. Яшин, Ҳамза. *Тўлан силтаниб, Йўлдошнинг қучоғидан чиқишга уринди. Йўлдош Тўланга ёпишиб олиб, ҳамон ялиняпти.* С. Сиёев, Аваз. *Тиззасини қучоғидан қўйиб юбориб, унга интилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Қучоқ очмоқ (*ёки* **ёзмоқ**) 1) бағрига олиш учун қўлларини ёзиб кўтармоқ. *Зумрад қучоғини очиб, ҳовлига отилди: -Келдингми, қўзичоғим? — у ўғлини ачом қилди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Қиз қучоғини очса, йигит йўқ дейдими?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кўришгани қучоқ ёзиб келаётган кампирнинг устбошини кўриб, [Шарофатнинг] заҳри бир оз тарқалди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) хурсандлик, шодлик билан (кутиб олмоқ). *Зарбдор қурилишлар ёшларни қучоқ очиб қаршилайди.* ■ *Сизлар билан қутлаб, қучоғим Очай янги, навқирон йилга.* Ғайратий.

2 *кўчма поэт.* Оғуш, бағир. *Табиат қучоғида яйрамоқ. Бола уйқу қучоғида. У ширин хаёллар қучоғидан чиқолмас эди.* ■ *-Кошкийди қишлоғимизга келсанг, — деди Комил кулиб. — Бизда халқ докторни жуда иззат қилади. Агар Тошкент қучоғидан айрила билсанг.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Мана, сиз, фарзандларим, Ёшлигингиз забардаст. Мактаб — илм қучоғида Ўсасиз ўқиб, яйраб.* Қ. Муҳаммадий. *Сувонжон эшикни куч билан очиб, ўзини бўроннинг қучоғига отди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Қучоққа сиғадиган ўлчов-миқдорни билдиради (одатда, сон-миқдор билдирувчи сўзлар билан, шунингдек, такрор ҳолда — **қучоқ-қучоқ** каби қўлланади). *Икки қучоқ ўтни охурларга ташлади. Қучоқ-қучоқ матолар.* ■ *У бир қучоқ ўтин териб келганида, Султонов.. юзлари оппоқ оқарганича, чўзилиб ётар эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Бир оздан кейин комиссар уни чақириб, бир қучоқ хат топширди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚУЧОҚЛАМОҚ 1 Қучоғига олмоқ; қучмоқ. *Қучоқласанг, қучоғингда тўлиб турсин.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мен ҳозиргина терилган лолаларни қучоқлаб, ўрнимдан турдим.* «Гулдаста». *У ҳўнг-ҳўнг йиғлар, отасининг оёқларини қучоқлаб ялинарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Сўзамол йигит Отамуроднинг елкасига қоқиб, яна белидан қучоқлаб, даст кўтариб, ерга қўйди.* М. Мансуров, Ёмби. *Тўлқин ўани отанниг елкасига ёпишиб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Умуман, икки қўл орасига олиб ва бағир бериб, маҳкам ушламоқ, ёпишмоқ. *Дарахтни қучоқлаб олмоқ.* ■ *Турсунбой қамиш капа олдида тиззасини қучоқлаб, дарвеш қиёфасида ўтирарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Бечора она чидолмади, қабрни қучоқлаб, ув-вос тортди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУЧОҚЛАШМОҚ Қучоқламоқ фл. бирг. н. *Дўстлар қучоқлашиб хайрлашди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Йўлчини қучоқлашиб, базўр четга суришди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзбек ойим Офтоб ойим билан саломлашиб, қучоқлаша кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУШ Умуртқалиларнинг танаси пар ва патлар билан қопланган, учишга лаёқатли бир синфи; парранда. *Сув қушлари. Чўл қушлари. Ўрмон қушлари. Уй қушлари. Сайроқи қушлар. Ов қуши. Қуш уясида кўргани-ни қилади.* Мақол. *Қуш тилини қуш билади.* Мақол. ▬ *Қушга кетган киши қушни олиб келди. Овчилар отланишди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ҚУШБЕГИ *тар.* Амир ва хонлар саройида бош вазир ёки ҳуқуқи вазирга тенг бўлган йирик амалдор; ҳоким. *Қушбеги [бош вазир] ўрнидан туриб, супачадан тушиб келиб, арк дарвозасининг остонаси устида тик турди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Азизбек Тошкентдан жўнатилди. Унинг ўрнига Қўқондан Нормуҳаммад қушбеги белгиланиб келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚУШБОЗ Ов қушлари ёки сайроқи қуш боқиш, парвариш қилиш билан шуғулланувчи киши, қуш ишқибози. *Шу тўриқ отга Муродхонни миндириб, қанча сипоҳи беклар ҳамроҳ бўлиб, қушбозлар олғир қушларни қўлларига қўндириб.. [йўлга тушди].* «Муродхон».

ҚУШБУРУН Ўрта қисми сал кўтарилган ёки учи ички томонга сал қайрилган бурун; шундай бурунли киши. *Доро I баланд бўйли, қушбурун, чиройли одам эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ҚУШДАЙ, -дек 1 Қушга ўхшаш, қушга ўхшаб, қуш сингари. *У [Гулсум] шаҳарда камбағал аёллар ўқийдиган мактаб борлиги, у ерда ўқиган аёллардан ажойиб одамлар етишаётганини эшитар, ўша ерга қушдай учиб кетгиси келар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Самолёт, ўқ еган йиртқич қушдай, бир қанотини осилтириб, зўрғатдан учиб борарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 *кўчма* Жуда енгил. *Қушдай чемодан.* ▬ *Сидиқжон эртасига қушдай бўлиб турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚУШНОЧ 1 *этн.* Саннаш, кўчирмачилик билан касал боқувчи табиб. *Бахши, қушноч қилдирди, чиллаёсин ўқитди..* Н. Қобил, Буғдой пишиғига етмаганлар.

2 Каромат қилувчи, фол боқувчи, фолбин. *-Аёл мардуми қушночу мулла, эшонга кўп ихлосманд бўлур, — деди момо Авазга.* «Зулфизар билан Авазхон».

ҚУШТИЛИ Юпқа хамирдан учбурчак, тўртбурчак ёки ромб шаклида кесиб, ёғда пиширилган овқат. *Ўғилжон хола ошхонада зўр бериб қуштили пиширарди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ҚУШТОМОҚ *анат.* Кекирдакнинг киши ютинганда ҳаракат қилиб кўриниб турадиган бўртиғи; кекирдак олмаси.

ҚУШХОНА I Уй қушлари боқиладиган хона, жой. *Орадан икки-уч соат ўтказиб, яна қайтиб қушхонага кирдим, сипоҳи қушлар ҳали ҳам ўтирган қўндоғидан тушмай, овқатга терс қараб ўтирар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚУШХОНА II *с.т.* Кушхона. *Қушхонада қон ялаб, Сизни кутар қассоблар.* Ҳамза.

ҚУШЧИЛИК Қуш, парранда боқиш ва етиштириш; паррандачилик.

ҚУШҚАРОҚ Чиғириқнинг ҳаракат узатувчи тишли қисми.

ҚУШҚЎНМАС Мураккабгулдошларга мансуб, майда тиканли бир ёки кўп йиллик бегона ўт.

ҚУЮВЧИ 1 Қуймоқ фл. сфдш.

2 Эритилган металлни қолипларга қуйиб, деталь ёки буюм тайёрловчи ишчи, мутахассис. *Пўлат қуювчининг ўтхонасидай жазирама қумда душманга қарши ҳужум бошлаш нақадар оғир.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚУЮЛМОҚ 1 Суви, суюқлик қисми камайиб, қуюқ ҳолга келмоқ, қуюқлашмоқ. *Мастава қайнайвериб, қуюлиб қолибди. Мураббо анча қуюлиб қолибди.*

2 Бир ерга кўп миқдорда йиғилмоқ, тўпланиб қалинлашмоқ. *Туман тобора қуюлмоқда.* ▬ *Бу булутлар.. тобора қуюлиб, қорайиб бормоқда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *кўчма* Ўзини тутиб, қўлга олиб, оғир, вазмин бўлиб қолмоқ, енгилтакликдан қутулмоқ. *Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган.* Мақол. ▬ *Техникумда ўқиб юрганимда, [Алижон] кунига йўлимни тўсарди, ўлдим-куйдим, деб нақ ҳол-жонимга қўймасди.*

Кўнглимда, бола-чақалик бўлиб қуюлар, деган эдим. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *-Қанақа қилиқ бу? Қартайсангиз ҳам қуюлмайсиз, — деб жеркиб берди бувим.* Ҳ. Назир, Яхши исм.

ҚУЮЛТИРМОҚ Қуюлмоқ 1, 2 фл. орт. н. *Мурраббони қайнатиб қуюлтирмоқ.* ▬ *Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи куйлайди. Лекин бу мусиқа жимжитликни бузмас, балки уни қуюлтирарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚУЮН 1 Қаттиқ уюрмали шамол; уюрма. *Осмон билан туташиб кетган қуюн ер бағрини қиртишлаб, хас-хашак борми, чангтўзон борми — ҳаммасини учириб, айланаайлана, тобора кўкка интиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳозир тунми ёки кўкни тупроқ қуюнлари қоплаганидан шундай қоронғими — билиб бўлмайди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Шиддатли ёғин; тўфон. *Баҳорнинг нохосдан қутурган қуюни чирпирак уриб келди.* «Гулдаста». *Тўсатдан дераза қоронғилашиб, чақмоқ чақди, момақалдироқ даҳшатли гулдуради. Қуюн қуя бошлади.* И. Раҳим, Ихлос.

ҚУЮШҚОН 1 Эгарнинг олдинга силжимаслиги учун от ёки эшакнинг думи остидан айлантириб, эгарга бириктириладиган, кўпинча турли безаклар қадаладиган қайиш. *Отнинг эгар қоши тилладан, ёлига кумуш тангалар, қуюшқонига эса садафлар тақилган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *От думига сола берди сайислар Ўн икки қуббали тилла қуюшқонни.* «Ойсулув».

2 *кўчма* Бирор иш, хатти-ҳаракат, муомала ва ш.к. даги меъёр. *Қуюшқондан ташқари иш.* ▬ *Локигин [лекин] қишлоқни юз пойиз шаҳарга тенг қилиш, қиёфасини паққос ўзгартиришга интилиш қуюшқонга тўғри келадиган нарса эмас.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Энди ўйлаб-ўйлаб, ўзининг қуюшқондан ташқари ҳаракат қилганини сеза бошлади.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар..

Қуюшқондан чиқмоқ Чегарадан, меъёрдан чиқмоқ; ҳаддан ошмоқ. *Ёш раҳбарсизда, хомроқсиз.. қуюшқондан чиққан бошлиқ одамларга ёқавермайди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Кулдираман, деб қуюшқондан чиқиб, меъёрдан ошиб кетаётган актёрларнинг ижросидан ранжимай иложингиз йўқ.* Газетадан.

ҚУЮҚ 1 Суюқ қисми, суви нисбатан оз бўлган; қуюлган ҳолатли. *Қуюқ қоришма. Қуюқ қиём.* ▬ *Қилич чопган чеккадан Қуюқ қон сиртга отар.* Ғ. Ғулом.

2 Таркибидаги асосий модда нисбатан кўп. *Қуюқ чой. Қуюқ сут. Қуюқ қаймоқ.*

3 Тўқ; тўққа мойил (ранг-тус ҳақида). *Бегимхон ғўзадан бошини кўтариб, қуюқ ўсмали қошларини чимириб, бобиллаб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Элмуроднинг юзига қуюқ қизиллик югурди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чайланинг тепасида Темирқозиқ юлдузи қуюқ кўкка бўялган чиройли капалакдай қанот қоқарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Бир-бирига яқин жойлашган; қалин, зич. *Қуюқ қамишзор. Қуюқ соя. Барглари қуюқ қайрағоч. Қуюқ қора қош.* ▬ *Майнанинг.. қуюқ киприклари остидаги ўткир қора кўзлари навкарни элитиб қўйган эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Юз қадамча нарига.. сарғайган қуюқ ўт устига ётқизди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 *кўчма* Тўкин-сочин, мўл, сероб. *Қуюқ дастурхон. Қуюқ зиёфат. Қуюқ меҳмон қилмоқ.* ▬ *[Афанди] Совғани хонга манзур қилиб, қуюқ инъом олиб, ўрдадан чиқиб кетди.* «Латифалар». *Кампир куёвини ҳамиша шундоқ қуюқ кутар эканми, кетидан димланган жўжа, ош келди.* С. Нуров, Нарвон.

6 Кўп миқдорда бир ерга тўпланиб, зичлашиб, қалин қатлам ҳосил қилган, зич, қалин ҳолатли. *Қуюқ туман. Қуюқ тутун.* ▬ *Уй ичини қуюқ қоронғилик босди. Ташқарида шамол ғувуллайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улар кечки қуёшнинг қуюқ ёғдуси остида жимирлаган қишлоққа кириб келишар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Мазмун, моҳият жиҳатидан тўла даражали (ўзаро муомала, муносабатдаги хатти-ҳаракат, ҳолат ҳақида). *Қуюқ суҳбат. Қуюқ салом-алик.* ▬ *Дадамат ака Аҳмадни эшиккача кузатиб чиқди. Қуюқ хайрлашди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Уйдан келган хатда ҳам қуюқ дуои салом.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ваъдани қуюқ қилиб, баъзи қассоблардан бир неча динор қарзга ҳам илинди.* Ойбек, Навоий.

8 *кўчма* Мазмун, диққат-эътибор ва ш.к. жиҳатдан аҳамиятли бўлган. *У [Ҳошимжон] «кейинги сўзга чиққанлар, албатта, менинг тарафимни олади», деб ўйлаган эди. Йўқ, гапнинг қуюғи кейин чиқди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *А. Қаҳҳор ортиқча сўз ва ибо-*

ралар ишлатмасликка, асар тилини қуюқ, маъноли қилишга интилган. «ЎТА».

ҚУЮҚЛАШМОҚ 1 Қуюқ тортмоқ, қуюқ ёки қуюқроқ бўлмоқ, қуюлмоқ (*қ.* **қуюқ 1).** *Мастава қуюқлашиб кетибди. Мураббо қуюқлашиб қолибди.*

2 Таркибидаги асосий модда нисбатан кўпаймоқ (*қ.* **қуюқ 2).** *Яхши емланган сигирларнинг сути қуюқлашади.*

3 Тўққа мойиллашмоқ, тўқ ёки тўқроқ тус олмоқ (*қ.* **қуюқ 3).** *Баргларнинг ранги анча қуюқлашди.* ▬ *Қоронғилик қуюқлашиб.. онда-сонда ўтиб турган кишилар қораси тун пардасига чаплашиб кўрина бошлаганда, Йигитали ўрнидан турди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

4 Қалин тортмоқ, қалин ёки қалинроқ бўлмоқ, қалинлашмоқ, зичлашмоқ (*қ.* **қуюқ 4**). *Кунлар исиган сари кўкатлар ҳам қуюқлашар, ўсиб улғайиб, чиройига чирой қўшарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Поезд юришини тезлатган сайин, оқ бадан қайинлар, азим қарағайлар қуюқлашиб, ям-яшил қалин ўрмонлар бошланди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

5 Кўп миқдорда бир ерга тўпланиб, зичлашиб қолмоқ, қалинлашмоқ. *Туман қуюқлашди. Тутун тобора қуюқлашиб кўтарилмоқда.* ▬ *Эрталабдан бери кезган булутлар кечга томон қуюқлашиб, осмонни текис қоплади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

6 *кўчма* Тўкин-сочин, мўл ёки сероб бўлмоқ (*қ.* **қуюқ 5**). *Зиёфат қуюқлашди.*

7 Мазмун, моҳият жиҳатдан тўла даражали бўлмоқ (*қ.* **қуюқ 7**). *Дўстлик, ижодий ҳамкорлик, тажриба алмашиш, адабиёт воситаси билан қардошлик муносабатлари қуюқлаша борди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

8 *кўчма* Мазмун, эътибор, аҳамияти ортмоқ, орта бормоқ *(қ.* **қуюқ 8).** *Хат ҳам.. эскирган сари маъноси қуюқлашади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚУЮҚЛАШТИРМОҚ Қуюқлашмоқ фл. орт. н. *Ун чалинса, овқатни қуюқлаштиради. Совуқ асални қуюқлаштиради. Салом-аликни қуюқлаштирмоқ. Фикрни қуюқлаштирмоқ.*

ҚУЮҚ-СУЮҚ 1 Қуюқ ва суюқ овқат(лар). *Меҳмонлар учун мева-чева, қуюқ-суюқ тортилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма с.т.* Бир хил бўлмаган, ҳар хил, турлича. *У.. ўтирганлар билан, уларнинг амал ва даражаларига қараб, қуюқ-суюқ кўришиб чиқди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ҚУ-ҚУ 1 *тақл.с.* Товуқ, мусича ва ш.к. қушларнинг узуқ-узуқ товушларини билдиради. *Қайлардадир ғуррак овози, мусичанинг «қу-қу»си эшитилади.* Ҳ. Шамс, Оқпадар.

2 *бол.* Қуш; товуқ. *«Қу-қу» ушлаб бераман деб, болани юпатмоқ.*

ҚУҚУЛАМОҚ «Қу-қу» деган овоз чиқармоқ (товуқ, мусича ва ш.к. қушлар ҳақида).

ҚУҚ-ҚУҚ *айн.* **қу-қу.**

ҚЎБИЗ Қисқа дастали, пардасиз, торли мусиқа асбоби (дўмбирага яқин). *Қўбиз чалмоқ.* ▬ *Мана, тоғ ёнбағирларида чалинган қўбизнинг нозик, ёқимли куйлари эшитилмоқда.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Водийларда чаларди қўбизин чўпон.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

ҚЎБИЗЧИ Қўбиз чалувчи созанда.

ҚЎЗИ 1 Қўйнинг ёшига етмаган, тўртбеш ойлик боласи; умуман, қўйнинг боласи. *Ўнгроқда, яшил тепа устида қўйлар, қўзилар, эчкилар ўтлаб юрибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Чироғим, сендан олдинги зоотехник ҳам худди шундай деб, қўзиларни совлиқлардан ажраттирмаган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 (*1-ш. эгалик шаклида*) Болаларни эркалатиб мурожаат этиш шакли; қўзичоғим. *-Кел, қўзим! — ҳар вақтдагича мулойим қарши олди чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Насиба:] Алла, қўзим, алла.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

3 Қўзи, Қўзивой (эркаклар исми).

ҚЎЗИВОЙ Тарвузнинг кечпишар, йирик, ширин нави. *Меҳринисо пайкал оралаб, битта қўзивой тарвуз кўтариб чиқди.* С. Абдулла, Иқбол.

ҚЎЗИДУМБА Қалпоғи оқ қўнғир тусли, еса бўладиган қўзиқорин.

ҚЎЗИЛАМОҚ I Туғмоқ, тўлламоқ (*қ.* **тўл**) (қўй ҳақида). *Қўзилаган қўйларни парваришлаш. Қўйлар қўзилайдиган пайт.*

ҚЎЗИЛАМОҚ II Донадор ҳолга келмоқ; дона-дона, қумоқ-қумоқ бўлиб турмоқ. *Қўзилаб турган тупроқ.* ▬ *[Аширмат] Катта тарелкада қўзилаб турган олтиндай саримойни ўз олдига тортди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *[Қовун] Қарс ёрилиб кетди — эти оппоқ, қўзилаб турипти, уруғи бўлса сапсариқ.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ҚЎЗИЛАТИШ Қўзи олиш, қўйларни туғдириш, тўл олиш. *Мусобақадош иккала отарда ҳам қўзилатиш қизғин борарди.* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи.

ҚЎЗИЛАТМОҚ Қўзиламоқ I фл. орт. н. *Қўйларни қўзилатиш. Қўзилатиш кампанияси.*

ҚЎЗИМОҚ Яна қайта юз бермоқ, содир бўлмоқ, қўзғамоқ, қайталамоқ, тутмоқ. *Дарди қўзиди. Ғайрати қўзиди.* ▬ *Тўқсоновнинг мерганлик ҳаваси қўзиб, дарров Дадабойнинг елкасидан сочма милтиқни олди-да, типирчилаётган итни бир отишда тамом қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мастликданми ё ҳақиқатан ҳам асаби қўзиб кетдими, ҳар ҳолда, унинг қовоқлари пирпираб учиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди.* Н. Фозилов, Оқим. *[Ҳамида] Қўл чўзса етгундай жойда бекиниб ётган акаси билан Мунавварни кўрмади. Мунавварнинг шайтони қўзиб: -Этагидан торт, — деди Йўлдошга.* С. Анорбоев, Меҳр.

ҚЎЗИЧОҚ 1 Қўзи с. кичр.

2 Қўйнинг эмадиган боласи. *[Тошқин] Янги туғилган қўзичоқдай зўрға оёқ узра турган колхоз учун катта хавф туғдирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Оташ кўзли, қўнғир юнгли қўзичоқ, Майса узра ирғишлайсан, ўйнайсан.* З. Диёр.

3 (*3-ш. эгалик шаклида*) Болаларга эркалатиб мурожаат этиш шакли. *Сен хафа бўлсанг, мен ҳам хафа бўламан-да, қўзичоғим.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҚЎЗИҚОРИН Споралардан кўпаядиган, хлорофиллсиз замбуруғ ва унинг қўнғир тусли, еса бўладиган бир тури. *Биринчисига қўзиқорин солинган картошка шўрва.. учинчисига бир кружкадан сут тарқатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қўзиқориннинг ноёб масаллиқ экани маълум.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ҚЎЗИҚУЛОҚ *айн.* **шовул 1.** *Юк машинасидан кўтарилган чанг йўл ёқасидаги қувраб қолган қўзиқулоқлар устига қўнар эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Анави қизғиш гуллилар — қўзиқулоқ.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ҚЎЗОҚ Дуккакли ўсимликларнинг дони турадиган пўсти; қовзоқ. *Ловия қўзоғи.* ▬ *Карам уруғи аста-секин, дастлаб пастки шохлардан бошлаб пишади. Пишган қўзоқлар ёрилиб, улардан уруғлар ерга тўкилади.* «Фан ва турмуш».

ҚЎЗҒАЛИШ *физиол.* Тирик ҳужайранинг бирор таъсирга реакцияси; тирик системанинг физиологик нисбий тинч ҳолатдан фаол ҳолатга ўтиши.

ҚЎЗҒАЛИШМОҚ Қўзғалмоқ фл. бирг. н. *Меҳмонлар қўзғалишди.* ▬ *Келинлар ўрин солиш учун қўзғалишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сафар бўзчининг ҳурмати учун лоақал қимир этмаган беклар ҳам мулла Абдураҳмоннинг истиқболига қўзғалишдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҚЎЗҒАЛМОҚ 1 Қўзғамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. (*қ.* **қўзғамоқ 1, 2, 4**). *Унинг эски дарди яна қўзғалди. Бу ҳақда яна гап қўзғалди. Масала қўзғалди.* ▬ *Адолат буларнинг ҳаммасини бир-бир ўйларкан, қалбида Усмонжонга нисбатан илиқ бир ҳиснинг қўзғалганини сезиб, ўз хаёлидан ўзи уялиб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Мен ҳам шуларга суқланиб қарадим. Орзу, ҳисларим баттар қўзғалиб кетди.* Ойдин, Фонарь тагида. *Кўпдан унутилган хотиралар яна қўзғалди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ўрнидан турмоқ ёки силжимоқ. *Саидий кетишга қўзғалганда, Салимхондан бошқа ҳеч ким парво қилмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Мулла Алимқул эшикдан кириб келган меҳмон билан кўришиш ва ўз тагидаги кўрпачадан жой бериш тараддудида аста ўрнидан қўзғалди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Жўнамоқ, бирор ёққа бормоқ, кетмоқ. *Бу ердан қўзғалма!* ▬ *Унинг бу галги Марғилон йўлига қўзғалиши ортиқча бир оғирлик билан, иккиланиш билан ўралган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмад Ҳусайн яна бир неча кун уйдан қўзғалмади. Унинг эрмаги ёлғиз китоблар бўлди.* Ойбек, Нур қидириб.

4 Турган жойидан жилмоқ, силжимоқ, сурилмоқ. *Стол ўрнидан қўзғалганга ўхшайди. Жавон жуда оғир экан, жойидан сира қўзғалмади. Поезд қўзғалди.* ▬ *Машина қўзғалди, қўзғалди-ю, ўн-ўн беш қадам юрмасдан, бирдан эшиги очилди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

5 Турган жойида тебранмоқ, силкинмоқ, қимирламоқ. *Қўрбоши тиззаси устига кўндаланг қўйилган қиличининг икки тарафидан босиб, бир қўзғалиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Машҳадий кичкина гавдаси билан енгилгина қўзғалиб.. бошини чайқади.* Ойбек, Навоий.

6 Бошланмоқ, кўтарилмоқ; ҳаракатга келмоқ. *Пўртана қўзғалди.* ▬ *Шамол қўзғалган, томлардаги, йўлкалардаги қорларни тўзитиб, деворларга, деразаларга урар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

7 Бирор кимса, тузум ва ш.к. га қарши ҳаракатга келмоқ, исён, ғалаён қилмоқ. *Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда камбағаллар қўзғалиб, бойларнинг ғарамларига.. ўт қўйишар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Яхши, биз айтган тартибда ишни бошланглар, халқ қўзғалса, хон мажбур!* У. Исмоилов, Сайланма.

8 *махс.* Бирор ҳаракат ёки таъсирга жавобан ҳаракатга келмоқ, ўз фаолиятини кўрсатмоқ. *Одатда мускул нерв воситасида қўзғалади.*

ҚЎЗҒАЛУВЧАН 1 Тез, осон қўзғаладиган, қўзғатиб бўладиган.

2 Бирор таъсирга жавобан тез ҳаракатга келадиган. *Қўзғалувчан мушаклар.*

ҚЎЗҒАМОҚ 1 Яна қайта юз бермоқ, содир бўлмоқ, қўзимоқ, қайталамоқ, тутмоқ. *Унинг касали қўзғади. Эски дарди қўзғаб қолди. Юрагида ғазаб қўзғади. Ғайрати қўзғади. Асаби қўзғади.* ▬ *Ғуломжон ҳокимни кутгани бормади. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати қўзғаб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Юзага келтирмоқ, пайдо қилмоқ, уйғотмоқ, туғдирмоқ; ҳаракатга, жўшга келтирмоқ; қўзғатмоқ. *Бировнинг юрагида адоват қўзғамоқ.* ▬ *Оқар сувлар кўнгилда Беҳад севинч қўзғайди.* Т. Тўла. *Мусулмонқул ўз ғарази йўлида орада йўқ низоларни қўзғаб, куёви Шералихонни ўлдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу манзара ўқдай санчилиб, Ёв дилида қўзғади ғамни.* Э. Раҳим.

3 *кўчма* Янгиламоқ, тикламоқ, эсга солмоқ (унутилган дард, алам, яра ва ш.к. ҳақида). *Менинг дардим қўзғай берма, Оққизжон, Ошиқда бўлмайди манзил ҳам макон.* «Равшан».

4 *кўчма* Ўртага қўймоқ, ташламоқ, бошламоқ; ковлаштирмоқ. *Масала қўзғамоқ. Гапни қўзғасанг, гап чиқар.* Мақол. ▬ *-Жаноб уламолар! — деди Фозилҳақ Азизулҳақ тоқатсизланиб, — беҳуда гапларни қўзғамоқнинг асло ҳожати йўқ.* Ойбек, Нур қидириб.

ҚЎЗҒАТМОҚ 1 Қўзғамоқ 1, 2 фл. орт. н. *У асабини қўзғатган кишини йиқитмагунча тинчимайди.* И. Раҳим, Тақдир. *..бу ўз навбатида айримларнинг тинчини бузиб, норозиликлар қўзғатаётган эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Ўрнидан силжитмоқ, узмоқ. *Тоғни тепса қўзғатадир бизда ҳар йигит.* Ғайратий. *У жуда оғирлашган. Беш-олтита бўлишиб, аранг қўзғатадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бир иш учун отлантирмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; оёқлантирмоқ. *Хўжа Яҳёнинг тарафдорлари қотиллардан қасд олиш учун косиб ва деҳқонларни қўзғатдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Каримжонни ўқишга қўзғатган — муҳаббати..* Т. Тўла.

ҚЎЗҒОВЧИ 1 Қўзғамоқ фл. сфдш.

2 Бирор ҳодисани юзага келтирувчи сабаб, омил. *Касаллик қўзғовчи микроб.*

ҚЎЗҒОЛОН Бирор ижтимоий тузум, ҳукмрон синф ва ш. к. га қарши кўтарилган оммавий ҳаракат; исён, ғалаён. *Миллий озодлик қўзғолони. Қуролли қўзғолон. Қўзғолон кўтармоқ. Қўзғолон қилмоқ. Қўзғолонни бостирмоқ.* ▬ *[Йўлчи] Оломон билан янги шаҳарга чиқиб, бош ҳоким маҳкамаси олдида қўзғолонни авжлантиришни ўйлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚЎЗҒОЛОНЧИ Қўзғолон қатнашчиси, иштирокчиси; исёнчи. *Йўлчи Хадра томонга оқаётган қўзғолончилар олдига тушиб.. чопа кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚЎЙ 1 Гўшт, жун, сут ва тери олиш учун боқиладиган жуфт туёқли, кавш қайтарувчи сутэмизувчи уй ҳайвони. *Думбали қўй. Думли қўй. Майин жунли қўй. Қоракўл қўйи. Ҳисор қўйи. От боққан улоққа, қўй боққан қўноққа.* Мақол. *Семиз қўйнинг умри калта.* Мақол.

2 Мучал йил ҳисобида саккизинчи йил номи; гўсфанд. *Унинг йили — қўй.*

Қўй йили Мучал йил ҳисобида саккизинчи йил (*қ.* **мучал**). *Мен қўй йилида туғилганман.*

Қўй кўз, қўйкўз 1) жигарранг кўз. *Эшоннинг безрайган қўй кўзлари муздек совуқ сочаётганга ўхшайди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) шундай кўзли киши. **Қўй мизож** (*ёки* **мижоз**), **қўймижоз** *с.т.* Ювош, мулойим, мўмин-қобил. *Қутидордек қўймижоз бир одамнинг бундай зўр ишга аралашганлигига ақл бовар қилмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қўй оғзидан чўп олмаган** Ҳеч кимга озор бермайдиган, жуда ҳам беозор. *Била-*

ман, мингбоши менга ҳозирча эҳтиёт бўлиб, ўзини қўй оғзидан чўп олмаган, жуда ювош ва содда қилиб кўрсатиб сўзлаяпти. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ҚЎЙБОШ Кечпишар қовун навларидан бирининг номи. *Бизда, экиладиган қовуннинг энг яхши, ширин «оқ новвот», «шакарпалак», «қўйбош».. каби жайдари навлари.. етиштирилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ҚЎЙДИРМОҚ **Қўймоқ** фл. орт. н. *Қўшимча стул қўйдирмоқ. Тиш қўйдирмоқ. Ўртага киши қўйдирмоқ. Қўл қўйдирмоқ.* ▬ *Дўсти афандининг олдига овқат қўйдирди.* «Латифалар». *Аммо [у] кундошини қўйдириб юборишга муваффақ бўлган эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Асқар понсад.. эгаси қизил соқчилар билан кетган ҳамма уйларга ўт қўйдирибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлар.

ҚЎЙДИ-ЧИҚДИ Хотин қўйиш ва эрдан чиқиш, никоҳни бузиб, бир-биридан ажралиш. *Эр-хотин қўйди-чиқди бўлишибди.* ▬ *Оилавий муносабатларни ҳал этишни ҳар бир кишининг ўзига ҳавола қилинса, менимча, қўйди-чиқди ҳам, оиладаги ноўрин аччиқ-аразлар ҳам йўқолган бўлур эди.* С. Кароматов, Тоғ гўзали.

ҚЎЙИЛМОҚ **Қўймоқ** фл. мажҳ. н. *Бурчакка стол қўйилди. Деворга шоти қўйилди. Ўчоққа ўт қўйилди. Аризага қўл қўйилди. Тартибсизликка йўл қўйилмайди. Сурат деворга осиб қўйилди.* ▬ *Курси устига дастурхон ёзилиб, мева-чева тўла патнис қўйилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу масала жуда тўғри ва ўз вақтида қўйилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚЎЙИН (*3-ш. бирл.* – **қўйни**) **1** Кўкрак ва уни ёпиб турган кийим орасидаги жой. *Дафтарларини қўйнига солди. Қўйнига тиқди. Қўйнида нони борнинг қорни тўқ.* Мақол. ▬ *Бўтабой қўйнидаги газеталарни олиб, отбоқарга берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *[Уста Олим] Қўйнидан мактубларни чиқариб, биттасини қутидорга узатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қўйин дафтари Чўнтакда олиб юриш учун мўлжалланган кичкина ёзув дафтари; чўнтак дафтар, ён дафтар. *Шоир шошиб, ёнидан қўйин дафтари билан қалам чиқарди.* А. Қаҳҳор, Картина. **Қўйин чўнтак** Кийимнинг кўкрак устидаги ички томонига тикилган чўнтак, кўкрак чўнтак. *Райҳонбиби никоҳ қоғозини олиб, қўйин чўнтагига суқди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Қучоқ, оғуш. *Табиат қўйнида яйрамоқ. Она қўйнига кирмоқ.* ▬ *Анзират холанинг қўйнида ётган бола тўсатдан қичқириб юборди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ботирали деразадан сакраб чиқиб, боғ қўйнига отилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Нормат блиндаж тепасига чиқиб, зулмат қўйнига қаради, диққат билан қулоқ солди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ *қ.* **ёнғоқ.**

ҚЎЙИНГКИ *крш с.* Қўйингчи, борингки.

ҚЎЙИНГЧИ *крш с.* Қисқа қилиб айтганда, қисқаси, хуллас; борингки. *У сиёҳ қалам билан жилвирлаш, ҳаллаш, қўйингчи, наққошликнинг энг майда элементларигача яхши ўрганиб олди.* Газетадан.

ҚЎЙЛИ Қўйи бўлган, қўйи бор. *Бобоқул минг қўйли сурувни айланиб чиқиб, чайлага қайтганда, Махсум оёқларини йиғиб, бир қўлини болиш қилиб ётган экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚЎЙМОҚ 1 Қўлдаги ёки умуман кўтариб олинган нарсани бирор жойга ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ. *Китобингни партага қўй. Елкангдаги қопни ерга қўй.* ▬ *Челакни шу ерга қўйинг, Гулнор, сувни мен ўзим элтаман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳасанали илжайган кўйи қўлтиғидаги заррин чопонни олиб, сандал устига қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Белгили ҳолатда, тартибда жойламоқ, жойлаштирмоқ. *Дастурхонга нон қўймоқ.*

3 Бирор жой ёки нарсага тираб, тақаб, қўндириб ўрнаштирмоқ, ўрнатмоқ. *Бошга сават қўйиб юрмоқ.* ▬ *Қарол araванинг орқасига кичкина шоти қўйиб, ўзи отни ушлаб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мастон, юки оғир аравани тортиб бораётган отдай, оёқларини тираб, юқорига интилар, Турғуной эса энгашиб, икки кафтини тиззасига қўйиб, зўрға-зўрға қадам ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Йўлчи найни лабига қўйиб, бутун завқи билан чала кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Фойдаланиш учун бирор нарса бермоқ. *Меҳмонга стул қўймоқ. Кампир болалар олдига иссиқ нон ва қаймоқ қўйди.*

5 Қурмоқ, солмоқ. *Қалдирғоч айвонга ин қўйибди.*

6 Қуриладиган, ўрнатиладиган нарса ўрнини белгиламоқ, унга ўрин қолдирмоқ. *Уйнинг эшигини шу томондан қўямиз. Мўрини қаердан қўясиз?*

7 Белгили жойга, ўринга ўрнатмоқ, маҳкамламоқ; солмоқ. *Деразага ойна қўймоқ. Узукка кўз қўймоқ.*

8 Бирга, ёнида олиб кетмай, бирор жойда қолдирмоқ, ташлаб кетмоқ. *У боласини боғчага қўйиб, ишга боради.* ▬ *[Ёрмат] Йўлчининг ҳозиргина қишлоқдан қайтиб, синглисини хўжайинникига қўйиб, бу ерга ҳангомалашиш учун келганини билгач, йигитнинг кўнглини паришон қилишга ботинмай, анча вақтгача қийналди.* Ойбек, Танланган асарлар.

9 Сақлаш учун бермоқ, топширмоқ. *Пулни омонат кассага қўймоқ.*

10 Қўлидан, қучоғидан, ихтиёри, тасарруфи ва ш.к. дан чиқармоқ, бўшатмоқ. *Кўр тутганини қўймас, кар — эшитганини.* Мақол. ▬ *Тўтиқиз шохни қўйиб юбориб, бўғотдан кўчага қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отабек Кумушни қўйиб, ердаги аталани олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

11 Назардан, эътибордан, навбат ва ш.к. дан четда қолдирмоқ. *[Қудрат:] Амалдорнинг ўзи ким? У бойни қўйиб, камбағални ёқлармиди?* Н. Сафаров, Уйғониш.

12 Никоҳни бекор қилиб, хотиндан ажралмоқ, хотинини талоқ қилмоқ. *Шундоқ хотинни қўйиб юборгансиз-а, афандихон. Сиз ҳам бир кунмас-бир кун шу хотиннинг уволига қоласиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ўғлингни олдингга олсанг-да, ундан сўрасанг: «Қайси хотининг билан бўлишни хоҳлайсан? Хоҳламаганингни қўй!» — деб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

13 Бирор иш-ҳаракатни бажариш учун имкон, йўл, эрк бермоқ, рухсат қилмоқ. *-Ўз қилмишингиздан гапиринг! -Ахир, шошманг, айтгунча қўясизми, йўқми?* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Дўсти.. афандини овқат егани қўймасдан, устма-уст савол бера бошлади.* «Латифалар». *-Зайнабниса, — деди [Кумуш], Зайнаб қаради, — бу кишини ташқарига чиқиб ётишга қўйманг, тузукми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ким қўйибди Жўналиш келишигидаги кишилик олмошлари ёки шахс ифодаловчи сўзлар билан қўлланганда, шу сўз билдирган шахснинг тушум келишидаги сўз билдирган нарсага ҳаққи йўқлиги, унга муносиб эмаслиги ифодаланади. *[Нури:] Мен унинг кўзини ўйиб олай, ошиқ-маъшуқликни унга ким қўйибди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Оғиз очгани қўймайди** Гапиришга имкон бермайди, гапиртирмайди. **Ўз ихтиёрига** (*ёки* **эркига, майлига**) **қўймоқ** Ихтиёрини ўзига бермоқ, ўзига ташламоқ. *Ўз эркига қўйинг, ортиқ зўрламанг, Эрка кўнгли эрк боғида яйрасин.* Ғайратий. *[Отабек] Отнинг бошини ўз ихтиёрига қўйган, илгаригидек юрак оширқишлари ичида отни тез юришга қистамай.. кета берадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзига қўйиб бермоқ** Ҳеч аралашмай, бутунлай ўзига ташлаб қўймоқ. **Қўймай** *ёки* **қўярда-қўймай** Тинчлик бермасдан, қистаб, мажбур қилиб. *Қўймай кинога олиб бормоқ.* ▬ *Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми ё Сидиқжон «асти қўймагани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

14 Ўстирмоқ (соч, соқол, тирноқ ва ш.к. ҳақида). *Соч қўймоқ. Соқол қўймоқ. Тирноқ қўймоқ.* ▬ *Эшикнинг бир табақаси ғийқиллаб очилди. Қўнғизнусха мўйлов қўйган қора қош бир кишининг боши кўринди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳар йили байрамда ясан-тусан қилиб, гажак қўйиб.. Бешариққа тушадиган Шоварди қизлари байрам кунларини ҳам эркаклар билан баб-баравар кетмон уриб, далада ўтказишди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

15 Йўлини очиб, бирор томонга, нарсага йўналтирмоқ, юбормоқ (сув, газ, буғ ва ш.к. ҳақида). *Экинларга сув қўймоқ.*

16 (*фақат буйр. м. да*) Тарк этмоқ, ташламоқ, тўхтатмоқ, барҳам бермоқ, йиғиштирмоқ. *Қўйинг шундай гапларни! Тўйга борсанг, тўйиб бор, ёмонлигингни қўйиб бор!* Мақол. *Ёз ёпинчиғингни қўйма, қиш — ўзинг биласан.* Мақол. ▬ *Жиннилигингни қўй, Мутал ака!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

17 Белгиламоқ, аниқламоқ (баҳо, нарх ва ш.к. ҳақида). *Баҳо қўймоқ. Диагноз қўймоқ. Арзон нарх қўймоқ.* ▬ *Аъло ўқисам ҳам, ўқитувчимиз «яхши» қўйди.* А. Қаҳҳор, Айб кимда?

18 Ном, лақаб қўймоқ, номламоқ. *От қўймоқ. Сарлавҳа қуймоқ.* ▬ *Нега бунга Читтак, деб лақаб қўйдиларинг?* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

19 ...деб билмоқ, ҳисобламоқ, фаҳмламоқ. *Ўзини юқори қўймоқ.* ▬ *Отабек Уста*

Олимни жуда юқори даражага қўйгандек, унинг мажлиси билан ҳам анча енгиллашар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғаффоржоннинг феъли маълум бўлгани учун кўп киши айбни Умрига қўйиб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

20 Бирор иш, вазифага тайинламоқ, белгиламоқ. *Навбатчи қўймоқ. Ёмондан қоровул қўйсанг, ёв етти бўлар.* Мақол. ▬ *Шу йигит мени олиб келиб, МТСга қарашли чойхонага қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

21 Воситачи, вакил сифатида йўлламоқ, фойдаланмоқ. *Қизга совчи қўймоқ.* ▬ *Бир кун ҳалиги судхўр мени бир савдогар ўртоғига сўратиб одам қўйибди.* Ғ. Расул, Адолат. *[Подшо:] -Қизимни ўшанга бераман, халойиққа жарчи қўйинглар, — деди.* «Эртаклар». *Шу қишдан қолдирма, ўртага, албатта, бой тоғангни қўй.* Ойбек, Танланган асарлар.

22 Бирор нарсани ишга солмоқ, ҳаракатга келтирмоқ. *Патефон қўймоқ. Радио қўймоқ. Телевизор қўймоқ.* ▬ *[Йўлчи] Катта ҳовлига терс бўлган камгак-панароқ жойда самовар қўйиш, ўтин ёриш билан машғул бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У ашулани «Кўча боғи»дан бошлади, овозини баралла қўйиб.. зўр илҳом билан айтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Али бор товушини қўйиб ашула қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

23 Намойиш қилмоқ, кўрсатмоқ. *Кино қўймоқ. Концерт қўймоқ. Томоша қўймоқ.* ▬ *Ҳордиқ кунлари шаҳардан чиқадиган автомобиль шу ерда [мактаб саҳнида] картина қўйиб берар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

24 Қолдирмоқ; кейинга сурмоқ. *У сутнинг ярмини укасига қўйди. Сигир емдан нишхўрт ҳам қўймабди.* ▬ *Ўзимизнинг Маллавой ака бир ўтирганда битта қўйни калла-почаси билан еб, терисини нонуштага қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *[Сидиқжон] Тўғон бошига боришни эртага қўйиб, кунни шу ерда ўтказди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

25 Муҳокама, мунозара ва ш.к. учун тақдим, таклиф қилмоқ. *Шиор қўймоқ. Масалани кун тартибига қўймоқ.* ▬ *У яна Ойқиз олдига қатор-қатор сўроқлар қўйиб, ўқишга боришини қувватлагани учун чин дилдан ташаккур баён қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

26 Суртмоқ, суркамоқ. *Қошга ўсма қўймоқ. Ярага дори қўймоқ. Йод қўймоқ. Хина қўймоқ.* ▬ *Сурма қўймай мунча ҳам, жонон, қародир кўзларинг.* Муқимий. *Пешонангга бахт битган экан, болам. Бўйи бўйингга тенг, қоши-кўзи сурма қўйгандек қопқора.* П. Турсун, Ўқитувчи.

27 Бирор усулда, бирор восита билан урмоқ, туширмоқ, солмоқ. *Шапалоқ (тарсаки) билан қўйиб юбормоқ. Мушт қўймоқ.*

28 Бирор белги, ишора туширмоқ. *Сўроқ аломати қўймоқ. Икки нуқта қўймоқ. Қўл қўймоқ.*

29 Бирор ҳолатда тутмоқ, қолдирмоқ. *Бировни ёлғиз қўймоқ. Тинч қўймоқ. Бўш қўймоқ. Эркин қўймоқ. Холи қўймоқ.* ▬ *Мана Йўлчибой. Тоғни урса, толқон қиладиган йигит. Қизимизни оч-яланғоч қўймасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

30 (*ж.к. билан*) Дучор қилмоқ, йўлиқтирмоқ; қолдирмоқ. *Ташвишга қўймоқ. Уятга қўймоқ. Хижолатга қўймоқ.* ▬ *Ўзим бир балодан зўрға қутулдим-у, домла мени яна балога қўймоқчи.* А. Қаҳҳор, Сароб.

31 (*ч.к. билан*) Бирор мақсад, иш-ҳаракат ва ш.к. дан қолдирмоқ. *Йўлдан қўймоқ. Машқдан қўймоқ. Чўмилишдан қўймоқ. Ўйиндан қўймоқ.* ▬ *Шоқосимни ишдан қўймаслик учун, у икки-уч минутда воқеани сўзлаб берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёш қизни олганинг бир сари, энди буни ўқишдан қўйиб, курортга олиб кетаётганинг нимаси?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

32 Баъзи отларга бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади, мас., *бино қўймоқ, ихлос қўймоқ, йўл қўймоқ, кўнгил қўймоқ, меҳр қўймоқ, танда қўймоқ, шарт қўймоқ, ўт қўймоқ, қадам қўймоқ.*

33 *кўм. фл. взф.* Етакчи феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ турли грамматик маъноларни ифодалайди. *Айтиб қўй. Билдириб қўй. Йўқотиб қўйма. Қараб қўйди. Кулиб қўйди. Айт-қўй. Келмайман-қўяман* ва ш.к. ▬ *Уста Баҳром томоғини қириб, секин йўталиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Йўлакда турган Ўзбек ойим дарвозадан мўралаб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эргаш ишни чатоқ қилиб қўйди-да.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

34 Бўлишсиз феълдан кейин бўлишсиз шаклда келиб, биринчи феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилмай қолмаслигини билдиради. *Мажлисларда, хусусий суҳбатларда қоридан сўз очган ҳар бир киши «Канизак билан Сидиқжон можароси»ни айтмасдан қўймас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу чечак қирлари ўз бағрида сузиб борган бизнинг Отабекни ҳам ўзига қаратмай қўймайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бир ёстиққа бош қўймоқ *қ.* **ёстиқ. Бўйнига қўймоқ** *қ.* **бўйин** I. **Гапни** (*ёки* **маслаҳатни) бир жойга қўймоқ** *қ.* **гап** I. **Отимни бошқа қўяман** *қ.* **от** II. **Тишини тишига қўймоқ** *қ.* **тиш** I. **Юзига оёқ қўймоқ** *қ.* **оёқ** I. **Ўзини қаерга қўйишни билмай** Нима қиларини билмай қаттиқ изтироб чекиб, тоқатсизланиб. *Қўйинг, йиғламанг, амакингизнинг феъли ўзингизга маълум. Сизни эслаганда, ўзини қаёққа қўйишни билмай, хуноб бўлиб юргувчи эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўзини қўйгани жой тополмай** *айн.* **ўзини қаерга қўйишни билмай.** *Ғуломжон ҳокимни кутгани бормади. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати қўзғаб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ўзини қўймоқ** Эркинлик ҳис этиб, яйраб-ёзилган ҳолатда бўлмоқ, шундай ҳолатда ривожланмоқ, униб ўсмоқ. *Ҳали совуқдан қисилиб-бужмайган гавдалар энди ўзини қўйди, яйради.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳол-жонига қўймай** (*ёки* **қўймасдан**) *қ.* **ҳол-жон.**

ҚЎЙПЕЧАК Печакгуллиларга мансуб, суғориладиган ерларда, адирларда ўсадиган, қўй-мол ейдиган бир йиллик ёввойи чирмовуқ ўт.

ҚЎЙТИКАН Мураккабгулдошларга мансуб, мевасининг усти майда тиканчалар билан қопланган бир йиллик ўсимлик. *Ўзбекистонда ғўза қўйтиканi ва оддий қўйтикан турлари учрайди.* «ЎзМЭ».

ҚЎЙФУРУШ Қўй олиб-сотувчи савдогар, қўйжаллоб. *Бозор касод.. қўйфуруш, аспжаллоб, молфурушлар бўлса чўнтагига қўл урмайди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҚЎЙХОНА Қўй боқиш учун белгиланган бино, жой; қўра.

ҚЎЙЧИ 1 Қўй асраб кўпайтириш ва қўй савдоси билан шуғулланувчи. *Қарқарага қатновчи бир қўйчи бой [Ўрозни] йилига саккиз сўмдан ёллаб, Тошкентга келтирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Қўй боқувчи чўпон; қўйчивон.

ҚЎЙЧИВОН 1 *айн.* **қўйчи 2**. *Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар.* Мақол.

2 Қўйчилик соҳасида ишловчи, қўй боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланувчи чорвадор.

ҚЎЙЧИЛИК Чорвачиликнинг қўйларни урчитиш, кўпайтириш билан шуғулланувчи тармоғи. *Қўйчиликни ривожлантириш. Қўйчилик фермаси. Қўйчилик мутахассиси.*

ҚЎЛ 1 Одамнинг бармоқ учларидан елкасигача бўлган қисми, аъзоси. *Бақувват қўллар. Қўлни олдинга чўзмоқ. Икки қўлни юқори кўтармоқ. Қўл кучи. Бош қашигани ҳам қўлим тегмайди.* ▬ *Йўлчи.. иккинчи қўли билан Қора Аҳмаднинг бир қўлини орқага қайирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шу аъзонинг билакдан бармоқлар учигача бўлган қисми; панжа. *Қўл билан силамоқ. Қўл билан ушламоқ.* ▬ *Йўлдош орқадан аста келиб, Элмуроднинг кўзини икки қўли билан бекитди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Қози домла қўлларини ювиб туриб, дастурхонга кўз югуртирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Иш-меҳнат бажарувчи аъзо (восита) сифатида. *Қўлим банд.* ▬ *Мен бу мол-дунёни, ер-сувни қўлим билан топган эмасман, ақлим билан топганман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Отабек билан бирга Тошкент тушиб, ўз қўллари билан тўйимизни ўтказишингизга ишониб Юсуфбек ҳожи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қўли тегмайди Бирор ишни бажаришга вақти йўқ; қўли банд, иш билан банд.

4 *с.т.* Ҳайвонларнинг олдинги оёқлари. *Қўйнинг қўли ва сони. Қўл гўшти.*

5 *с.т.* Бармоқ. *Ўрта қўл. Беш қўл баравар эмас.* Мақол.

Икки қўлини бурнига суқиб (*ёки* **тиқиб**) *қ.* **бурун** I.

6 Ҳар кимнинг ўзига хос ёзув усули, услуби, ёзуви, хати ва унинг ифодаси. *Кутидор қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди: -Виждонсиз, иблис, — деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Низомиддинов:] Хат билмайдиган оғзаки гувоҳлар ҳам бор, ёзиб берай десам, ҳамма аризалар бир одамнинг қўли билан ёзилган, деган шубҳа бўлмасин..* С. Аҳмад, Ҳукм.

7 Имзо. *Далолатномага қўл қўймоқ. Шартномага қўл қўймоқ.* ▬ *Хўжабеков — раис, Саидғози.. бир кичкина одам.. Барча ҳужжатларда Хўжабековнинг қўли.* С. Анорбоев, Оқсой. *Омборчи: -Бўта қўл қўймаган қоғозни қоғоз демайман, — деб катта кетворди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

8 Ҳар кимнинг ўзига хос иш усули, услуби, иши, хатти-ҳаракати; шуни акс эттирувчи ифода. *Ҳовлини ўраб турган деворлар ҳам янгидан урилган, ичкарисидан ҳаммаси ганч билан сувалган. Ҳамма ёқда акасининг қўли кўринади.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

9 Имкон, имконият.

Қаёққа қўл узатса етади Имкониятга эга, имконияти катта. **Қўли баланд** *айн.* **қўли узун. Қўли калта** (*ёки* **қисқа**) Имконияти кам, чекланган, қурби етмайдиган. *[Дадажон ака:] Ўйлаб қарасам, дўппи тор экан. Каттароқ иш қилишга қўлимиз калта экан.* И. Раҳим, Ихлос. **Қўли узун** Ҳар қандай нарсага етишиш, эришиш имкони бор, шундай қудратга эга. *Унинг қўли узун эди, давлатнинг бир қисмини дадасидан, укасидан яширин ишлатиб, холис ўзига қарашли катта бир бойлик орттирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қўлидан келади** Бирор ишни амалга ошириш учун имконияти, ҳуқуқи бор, куч-қуввати етади, бирор ишни қила, бажара олади. *У [Нури] жуда дадил ва айёр қиз. Унинг қўлидан ҳар қандай иш келади.* Ойбек, Танланган асарлар.

10 (*3-ш. эгалик ҳамда ж.к. ва ў.-п. к. шаклида кўм. ваз.:* **қўлига, қўлида**) Ихтиёрига, измига; ихтиёрида, измида. *Киши ҳурмати ўз қўлида.* Мақол. ▬ *[Кумуш] Бу уйдан чиқиб кетишни, бир-икки ойлаб Отабекни Зайнаб қўлига топшириб қўйишни яна мувофиқ кўрмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Агарда хон кўтариш менинг қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Беш қўлини оғзига урмоқ (*ёки* **тиқмоқ**) *қ.* **беш** I. **Гаҳ деса** (*ёки* **деганда**) **қўлга қўнадиган қилиб олмоқ** *қ.* **гаҳ. Ёлғиз** (*ёки* **якка**) **қўл** *қ.* **ёлғизқўл. Кўнглига** (*ёки* **юрагига, кўксига, қўлтиғига, қўйнига**) **қўл солиб кўрмоқ** Бировнинг фикри ёки ички сирини билиш мақсадида турли гаплар айтмоқ, шу мақсадда гапга солмоқ. *Ўктам тўй-ҳашам тўғрисида сўз очиб, қизнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлди.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Оёғи олти(та), қўли етти(та)** *қ.* **оёқ** I. **Оёғини қўлга олиб** *қ.* **оёқ** I. **Чап** (*ёки* **сўл**) **қўл** Чап томон; чап, сўл. *Чап қўлга юрмоқ. Чап қўлдаги кўча.* **Ўнг қўл** 1) ўнг томон; ўнг. *Ўнг қўлга бурилмоқ. Ўнг қўлдаги уй. Ўнг қўлдан машина келиб қолди.* ▬ *-Қаёққа юрамиз, — деди Сидиқжон қайрилиб, унинг кўзига қараб. -Ўнг қўлга, — деди хотин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) энг яқин, ишончли ёрдамчи. *Бу киши Азизбекнинг амири лашкари ва ўнг қўли бўлган Райимбек додхоҳ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қўл бермоқ** Бировга ихлос қўймоқ, уни пир деб танимоқ. *Бир кун Марғилондан бир эшон келди. Бойимиз ўша кишига қўл берган экан, яъни ўша кишининг муриди экан.* И. Раҳим, Ихлос. **Қўл келмоқ** Қулай, мос, кўнгилдагидек бўлиб тушмоқ. *Ерни бегона ўтлардан тозалашда қўл келадиган асбоб.* ▬ *Далабоп қаттиқ тринкадан беш-олти метр оламан. Уларга жудаям қўл келади.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. **Қўл кўтармоқ** 1) розилик, хоҳиш ёки овоз бериш ишораси сифатида қўлини юқорига кўтармоқ. *«Кимда-ким Нуъмон ҳожи Қаландаров.. бу ердан бадарға қилинсин деса, қўлини кўтарсин. Ҳамма баравар қўл кўтарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) таслим бўлмоқ. *Қуршовга олинган душман қисмлари қаршиликни тўхтатиб, қўл кўтардилар;* 3) *кўчма* бировни уриш, зарба бериш учун хезланмоқ. *Нега соҳибкорга қўл кўтардинг? Кучингни қаерга қўйишни билмаяпсанми?* Ж. Шарипов, Хоразм. **Қўл силтамоқ** *қ.* **силтамоқ. Қўл тегизмоқ** (*ёки* **урмоқ**) 1) фақат бўлишсиз шаклда: **қўл тегизмаслик** Ҳатто истеъмол учун олмаслик. *Овқатга ҳеч ким қўл урмади;* 2) бирор ишга киришмоқ, тутинмоқ, уринмоқ. *У [Муҳаммад] қайси ишга қўл урса, уни уддалай олар.. эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. **Қўл учида** *ёки* **қўл учи билан** 1) астойдил эмас, истар-истамас; шунчаки, юзаки. *Доктор уни қўл учидагина кўрди, дори бермади, тайинли бир гап ҳам айтмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У [Холмат] Тўрахоновдан ҳақиқий ёрдам кутган.. Фақат баландпарвоз сўзлар эшитди ва [тўғонни] пала-партиш, қўл учида қуришга даъват қилинди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин; 2) қийинчилик билан, зўрға, аранг. *Бу қандай гап ахир, ўзим қўл учида тирикчилик қиламан-у, сенинг учун шу кунимдан ҳам айрилайми?* Ҳ. Шамс,

Оқпадар. **Қўл ювмоқ** *айн.* **қўлни ювиб, қўлтиққа тиқмоқ** (*ёки* **урмоқ**). **Қўлга олмоқ** 1) пора бериш, алдаш ва ш.к. йўллар билан ўзига мойил қилмоқ. *Хумпарнинг оғзи-бурнини мойлаб, қўлга олиб бўлмасмикин?* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ушлаб, тутиб олмоқ, асир олмоқ, банди қилмоқ, қамамоқ. *Мухторхонни Афғонистон чегарасида қўлга олибдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Қўлга тушмоқ** 1) айби, жиноий иши ошкор бўлиб тутилмоқ. *Гап тарқади: биров тилмоч Ҳоким тўранинг хотини билан қўлга тушиб қопти, деса, яна биров тилмоч Ҳоким тўранинг қоровули билан қўлга тушиб қопти, деяр эди.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) фириб емоқ. *Қўлга тушибсан, сени роса лақиллатишибди.* **Қўли бормайди** Истаги, хоҳиши йўқ; ҳафсаласи йўқ. *Тутни кесишга қўлим бормаяпти.* ▬ *Мол кетди – жон кетди, ишга ҳам қўлим бормайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қўли очиқ** *ёки* **очиқ қўл** Ҳеч нарсани аямайдиган, сахий. *Қўли очиқнинг йўли очиқ.* Мақол. **Қўли эгри** Ўғри. **Қўли юпқа** Камбағал, қашшоқ. *Ўша кунлари Малоҳат ая яшаётган қишлоқдан етмиш чақирим нарида қўли юпқароқ бир кишининг хонадонига олов туташиб ёниб кетибди.* Газетадан. **Қўли қичиди** *қ.* **қичимоқ. Қўли қўлига тегмаслик** Ниҳоятда тез, чаққон ҳаракат қилмоқ, тез ишламоқ. **Қўлини совуқ сувга урмайди** Ҳеч иш қилмайди. *Нусратилла рўзғорда қўлини совуқ сувга урмайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Қўлни бигиз қилмоқ** *айн.* **бармоқни бигиз қилмоқ** *қ.* **бармоқ 1. Қўлни ювиб, қўлтиққа тиқмоқ** (*ёки* **урмоқ**) Бирор нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб, ихлоси қайтиб, уни тарк этмоқ, ундан юз ўгирмоқ, воз кечмоқ, қайтмоқ. *Баъзилари ғайратлари бекорга кетаётганини кўриб, қўлларини ювиб, қўлтиққа урдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Қўлни қўлга бермоқ** Бирор соҳада баҳамжиҳат бўлмоқ, ўзаро бирлашмоқ. *Қўлни қўлга бериб ишламоқ.* ▬ *Қадрдон далалар, меҳнат тонгида Қўлни қўлга берар икки бахтли ёш.* Ғайратий. **Ҳаром қўл** Бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, нопок (одам ҳақида). *Қаердаки ҳаром қўл бор, у ерда баракат йўқ.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ҚЎЛАНСА 1 Ёқимсиз ҳид тарқатадиган; сассиқ, бадбўй. *Қўланса ҳид.* ▬ *Мингбоши яктак барларини очиб ташлаб, елпина бошлади. Семиз баданидан қўланса тер ҳиди анқир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бадбўй ҳид. *Йўлчи қуруқ наматга ётиб, устига кўрпача ёпди. Кўрпачадан зах ҳиди билан от шиптирининг қўлансаси димоққа урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бадбўй ҳидли. *Бу хона ҳам нимқоронғи ва қўланса эди.* «Ёшлик».

4 *кўчма* Қўпол; ёқимсиз (гап, муомала ҳақида). *Мунча ҳам қўланса одам экансиз. Дўқини қаранг-а!* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Юрса ҳам, турса ҳам, хаёлида унинг [Қодирқулнинг] қўланса гапи..* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

ҚЎЛАНСИМОҚ *кам қўлл.* Қўланса ҳид тарқатмоқ, сасимоқ. *Ҳар хил миллат матрослари.. ишратхоналар сассиғи билан қўлансиб ётган Истамбулда кун сайин разолат тубига чўкиб борарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚЎЛАНТАЁҚ *рвш.* Оёққа пайтава ўрамасдан ёки пайпоқ киймасдан. *У шошилиб, этигини қўлантаёқ кийиб чиққан экан, уйнинг орқасига ўтмаёқ оёғи совуқ еди.* «Гулдаста».

ҚЎЛБОЛА 1 Қўлда қилинган, тайёрланган. *Махсум тегирмон паррагига қўлбола динамосини қўндириб, ундан чойхона сўрисига.. чинор шохига сим тортиб, лампочка илди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Олма тагидаги қўлбола курсига бориб ўтирдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ҳафсала билан (ўз қўли билан) тайёрланган, пиширилган. *Бугун стипендия олишгани учун икки ўртоқ қўлбола ош қилишмоқчи бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҚЎЛБОҒ Болани (чақалоқни) бешикка белашда икки қўлини ёнига қилиб, билаклари ва қорин устидан тортиб боғланадиган энли боғич. *Қўлбоғларим тортасан зич, Қон юришмас жисмимда ҳеч, Қолдим қуриб худди хивич..* «Муштум». *Бизнинг қўлбоғ, гаврапўш, сумак, тувак ҳам қовуслик бешик..* Чустий.

ҚЎЛДОШ 1 Ҳар ишда бирга бўлувчи, ёрдам қўлини чўзувчи; кўмакдош. *Яхши билан бўлсанг йўлдош, оғир ишингга у қўлдош* Мақол. ▬ *Бу ерда унинг қўлдошлари – Онахон, Ҳожияхон, Рузвон хола сингари кўмакчилари бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Қўлдош (эркаклар исми).

ҚЎЛЁЗМА 1 Илмий, бадиий, тарихий ва ш.к. асарнинг қўлда ёзилган ёки ёзув машинкасида ёзилган, компьютерда кўчирилган матни, нусхаси. *Ниҳоят, Йигитали июннинг бошларида тугатган қўлёзмасини раҳбари олдига олиб бориб, ўқиб бериб, домлани хурсанд қилди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Машҳур хаттотлар катта пуллар эвазига кўчирган.. бу қўлёзма китобларнинг ҳар бири неча динор туришини.. Қосимбек ҳам билар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қўлда ёзилиб, китоб шаклига келтирилган асар; ёзма ёдгорлик (19-аср ўрталаригача, яъни матбаачилик пайдо бўлгунча).

3 Ноширликда: муаллиф томонидан нашриётга тақдим этилган матн. *Санобар машинкасида Алихоннинг қўлёзмасини кўчириб ўтирган эди, эшик тақиллаб қолди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҚЎЛЛАБ 1 Қўлламоқ фл. рвдш. *Фаолияти давомида шу усулни қўллаб, яхши натижаларга эришди.*

2 *рвш.* (**бир** *ёки* **икки** *сўзи билан*: **бир қўллаб, икки қўллаб**) Қўлини ишга солиб, қўли билан. *Мақсуда лампани кўтариб, уйга кирди-да, қозиқда илиғлиқ турган камзулининг чўнтагидан буклоғлик хатни олиб, бир қўллаб силтади.* С. Зуннунова, Олов. *Домла Ниёз ёрлиғини тугатиб, қоғозни манглайига кўтарди ва икки қўллаб Худоёрга узатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Икки (*ёки* **қўш**) **қўллаб** Мамнуният билан, жон деб. *Турдивой халфа.. шу жойни «икки қўллаб инъом қилгани» тўғрисида маълумот берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚ *айн.* **қувватламоқ 1.** *Маданият ва санъат мутасаддилари, бу ишга масъул этиб тайинланганлар ва ҳомийлар бадиий ҳаваскорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаётган жойларда иш кўнгилдагидай бормоқда.* Газетадан.

ҚЎЛЛАБ-ҚЎЛТИҚЛАМОҚ *айн.* **қўллаб-қувватламоқ**.

ҚЎЛЛАМОҚ 1 Ёқламоқ, қувватламоқ, ёрдам, кўмак, мадад бермоқ. *Ҳақ ишни халқ қўллар.* Мақол. ▬ *Аёллар ўтмишдан ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жаҳолатда қолган. Уларни ҳурмат қилишимиз, қўллашимиз, суяшимиз керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Татбиқ этмоқ, ишлатмоқ. *Ишда янги методларни қўлламоқ. Суғоришнинг янги системасини қўлламоқ.* ▬ *[Салимбойвачча] Атторлик растасида.. заҳар сотиб оларкан, буни қачон ва қандай қўллашни асло ўйлагани йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жавод Кўчиев унумсиз ерларда «Малик»даги тажрибаларини қўллади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҚЎЛЛАНМА Бирор иш, ўқиш, ўқитишда фойдаланиладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган ёзма манба. *Ўрток Мўминовнинг диалектик материализм бўйича қилган ишлари ва бу соҳада биринчи бўлиб ўзбек тилида ёрдамчи қўлланма ёзганлиги ҳам маълум.* «ЎТА». *То шу кунгача олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун «Ҳозирги замон ўзбек тили» курсидан мақбул бир қўлланма йўқ эди.* «ЎТА».

ҚЎЛЛАШМОҚ 1 Қўлламоқ фл. бирг. н. *Хўжа уруғлари «ўз авлодимиз» дейишиб, Тожибойни қўллашади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Улар бир-бирларини қўллашади: ясовулбошини — қозикалон, қозикалонни — хон.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бир-бирининг қўлини ушлаб, қоп ва ш.к. нинг белидан олиб, иккинчи бўш қўли билан остидан ушлаб кўтармоқ. *Қопларни қўллашиб, машинага ортмоқ.* ▬ *Эркабой ва мўйловдор йигит қўллашиб, Саиднинг елкасига харсангтош қўйишди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ҚЎЛЛИ Қўли бўлган, қўли бор. *Бир қўлли одам.*

Ёлғиз қўлли Ёрдамчиси, дастёри йўқ. **Қаттиқ қўлли** Қарамоғидаги одамларни қаттиқ ушлайдиган, талабчан. *Қаттиқ қўлли раҳбар.* ▬ *[Ўктам] Кўринишда ювош, юмшоқ, лекин чоғи келганда ғоят.. қаттиқ қўлли, иродали экани сезилган секретарга, жуда яқин одамдек, сирдошдек, узоқ тикилди.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Қўлли бўлмоқ** Эгали бўлмоқ, қўлма-қўл бўлиб кетмоқ. *Китоб қўлли бўлиб кетганга ўхшайди.*

ҚЎЛЛИ-ОЁҚЛИ *айн.* **қўл-оёқли.** *Кексалар тили билан айтганда, Қизлархон қўлли-оёқли қиз бўлиб, уй ишини ҳам, ўқишини ҳам баравар уддалайди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ҚЎЛМА-ҚЎЛ *рвш.* **1** Бир одам қўлидан бошқаси қўлига. *Юзлаб кишилар қўлма-қўл челак узатиб, майдон ўртасидаги ҳовуздан*

олинган сув билан китоб хонасига тушган ўтни ўчиришга уринар эдилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 Бир кишидан бошқа кишига, бир кишининг ихтиёридан бошқа киши ихтиёрига. *Китоб қўлма-қўл бўлиб кетди.* ▬ *«Иштирокиюн»нинг шу бир нусхаси.. катта-кичик тоғ қишлоқлари бўйлаб қўлма-қўл юрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Қўлма-қўл юрувчи бу ўйинчоқ қизингиз ким-у, сиздек бир меҳрибон онани қон йиғлатган ким?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎЛ-ОЁҚ 1 Қўл ва оёқ(лар). *Қўл-оёғим бутун.*

2 *кўчма кам қўлл.* Дастёр. *Семиз одам мўйсафиднинг гапини маъқуллади: -Зарари тегса, бир бурда нон билан ярим коса ошга тегади. Бундай болалар бир хонадонга қўл-оёқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎЛ-ОЁҚЛИ Ҳар қандай ишни тез ва чаққон бажарадиган, оёқ-қўли чаққон; эпчил. *Мана, мен ҳам қўл-оёқли келинимдан ажраб ўтирибман-ку. Ажалга даво йўқ, бону.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

ҚЎЛСИЗ 1 Қўли йўқ. *-Оёқсиз, қўлсиз қолса ҳам майли эди,* — *деди Ҳошимжон йиғлаб ва укасининг қони суртилган милтиққа тикиларкан.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Қўли ишламайдиган, шол. *У қўлсиз бўлиб ётибди.*

3 *кўчма кам қўлл.* Ёрдамчисиз, дастёрсиз.

ҚЎЛТИҚ I **1** Қўлнинг елка билан туташган ерида ҳосил бўлган бурчак, қўл ости. *Қўлтиғи терлайдиган одам. Бир қўлтиққа икки тарвуз сиғмас.* Мақол. ▬ *Қиз сумкасини қўлтиғига суқиб, ичкаридан чиқди.* С. Аҳмад, Мўтти. *У далани айланганда, қўлтиғидан эски сариқ чарм папкасини қўймасди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кейин ўғлининг қўлтиғидан олиб, бир четга тортди: -Булар билан тенг бўлманг, ўғлим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен дарров қўлтиғидан кўтариб, устидаги чанг-тўзонларни қоққан бўлдим.* Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ.

2 Кийимнинг шу жойга тўғри келадиган, шу жойни беркитиб турадиган қисми. *Кўйлакнинг қўлтиғи. Пальтонинг қўлтиғи. Тўннинг қўлтиғи сўкилибди.*

Қўлтиғига кирмоқ 1) қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ. *Касал бўлиб қолсам, нима бўлади?.. Қўлтиғимга ким киради? Акам бўлмаса, укам бўлмаса.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) бировнинг ишончини қозониб, унинг пинжига кирмоқ. *[Олахўжа:] Энди, бу билан ҳазил қилма, каттароғини «ака» де, қўлтиғига кир, кичикроғини «ука» де, деб ўргатадиган бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўлтиғига сув пуркамоқ** Бировга қарши оёқлантирмоқ, гижгижламоқ. *Эшоннинг хотинини кимдир тезлаяпти, кимлардир қўлтиғига сув пуркаяпти.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Қўлтиғидан кўтармоқ** (*ёки* **суямоқ)** Қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ. *Тағин мен, Бобоқулнинг ўғли, қўлтиғидан суяйдиган азамат бўлиб қолибди, деб қувониб юрибман-а!* С. Анорбоев, Оқсой. **Тарвузи қўлтиғидан тушмоқ** *қ.* **тарвуз.**

ҚЎЛТИҚ II *геогр.* Океан, денгиз ва кўлларнинг қуруқлик ичкарисига кириб турган ва асосий ҳавза билан сув алмашиб турадиган қисми; кўрфаз.

ҚЎЛТИҚБАРДОР 1 *кам қўлл.* Ногирон, бетоб ёки шикаст топган кишини қўлтиқлаб, суяб олган киши.

2 *кўчма* Ёрдамчи, қўллаб-қувватловчи одам. *Бу кишининг қўлтиқбардорлари бир қишлоқи муллавачча эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚЎЛТИҚЛАМОҚ 1 Қўлтиғига қисиб тутмоқ, қўлтиғига жойлаб кўтармоқ, қўлтиққа урмоқ. *Роҳила плакатларни қўлтиқлаб, секин нари кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бозоров тугунчасини қўлтиқлаб, тебраниб, машинага интилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирга юриш ёки суяб ёрдам бериш мақсадида бировнинг қўлтиғидан, юқори билагидан тутмоқ. *Фотима билан Сора рус тилидан таълим берган Антонина Анатольевнани икки томондан қўлтиқлаб, энг олдинда, жадал борадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Йўлчи] Чиройли саман отнинг жиловини тутиб, эгасини қўлтиқлаб, ерга туширди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ота-бола уни қўлтиқлаб кўтардилар.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 *кўчма* Моддий ёки маънавий ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ, қўллаб-қувватламоқ.

Ўпкасини қўлтиқламоқ *қ.* **ўпка** I.

ҚЎЛТИҚЛАТМОҚ Қўлтиқламоқ 1, 2 фл. орт. н. *Худайчи бир йигитга тўн қўлтиқлатиб.. мудофелар ёнига чиқди.* А. Қодирий,

Ўтган кунлар. *Менга чўтни қўлтиқлатиб олдилар, орқаларидан эргашиб юрдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚЎЛТИҚЛАШМОҚ Қўлтиқламоқ фл. бирг. н. *Беморни қўлтиқлашиб турғизишди. Қўлтиқлашиб юрмоқ.*

ҚЎЛТИҚТАЁҚ 1 Оёғи хаста ёки ногирон кишилар қўлтиғига тираб, таяниб юрадиган, юқори қисми қўлтиққа қўйиш учун мосланган махсус ҳасса. *Қўлтиқтаёқ билан юрмоқ.* ▬ *Икромжон.. судралиб бориб, қўлтиқтаёғини олди-да, чайқала-чайқала олдинга кетаверди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Суянчиқ, таянчиқ; ҳимоячи. *Бировга қўлтиқтаёқ бўлмоқ.*

ҚЎЛТИҚТУМОР Заргарлик буюми; аёлларнинг елкадан ошириб, қўлтиқ остидан ўтказиб тақиладиган тақинчоғи.

ҚЎЛҚАНОТ *фольк.* Айрилмас дўст, биродар. *Алпомиш айтди: -Дўстим Шомурот. Икковимиз фарзанд кўрсак, ўғил бўлса, қўлқанот бўлсин, бирови ўғил, бирови қиз бўлса, қуда бўламиз.* «Ёдгор».

ҚЎЛҚОП 1 Қўлни совуқдан, кир бўлишдан, зарарланишдан сақлаш учун қўлга кийиладиган буюм. *Чарм қўлқоп. Қўлқоп тўқимоқ.* ▬ *Онахон эри.. Собиржоннинг қорамойга ботиб, ярқираб кетган қўлқопи билан шимини гўё роҳат қилиб ювар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *спрт.* Бокс тушганда, қўлга кийиб олинадиган махсус буюм. *Тренер менга қўлқоп бераётиб: -Юрагингни сақла! — деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚЎМ Туяга, от-уловга юк ортиш учун кигизни ўраб ва икки буклаб боғлаб, эгар ўрнига уриладиган мослама.

ҚЎМИТА [«комитет» с. га қаранг] **1** Махсус тадбирларни ўтказиш ёки бирон-бир соҳага раҳбарликни амалга ошириш учун тузиладиган давлат органи (*қ.* **комитет 1**). *Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси.* ▬ *Унда [мажлисда] лойиҳа иштирокчилари, тегишли вазирлик, идора, қўмита ва нодавлат ташкилотларнинг масъул ходимлари қатнашди.* Газетадан. *Кенгаш аъзолари.. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркиби тўғрисидаги таклифларни тингладилар..* Газетадан.

2 Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва б. да сайлаб қўйиладиган коллегиал раҳбар орган (*қ.* **комитет 2**). *Партия марказий қўмитаси. Касаба уюшмаси қўмитаси.*

ҚЎМИҚЛАР Доғистон Республикасида яшовчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ, қўмиқ халқи.

ҚЎМЛАМОҚ Туяга қўм, эгар урмоқ, туяни эгарламоқ.

От отлаб, туя қўмлаб Катта қийинчиликлар билан, зўрға, аранг. *Марғилон деган юртдан от отлаб, туя қўмлаб кел эмишда, бир ойга турмай кет эмиш!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎМОНДОН [«комендант» с. га қаранг] **1** Йирик ҳарбий қисм ёки қўшин бошлиғи, командири. *Бош қўмондон.* ▬ *Чернецов армия қўмондони генерал-лейтенант Погодиннинг штаб-квартирасига Юрьевдан кейин кирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Подшо Кимсанни ўз аскарларига қўмондон қилиб тайинлаб, унга ўнг ёнидан жой ҳадя қилди.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан.

2 *эск.* Умуман, ҳар қандай командир.

ҚЎМОНДОНЛИК 1 Қўмондон иши, вазифаси. *Қўмондонлик қилмоқ.*

2 Қўшинга раҳбарлик қилувчи орган ва ундаги кишилар мажмуи. *Немис қўмондонлиги артиллерия ва авиация ҳужумидан кейин танкларни ишга солди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *[Краснов] Бундан кейинги ҳаракат ҳақида қўмондонлик йўл кўрсатгунча кутишга.. қарор қилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚЎМСАМОҚ Бирор кимса ёки нарсани эслаб, соғиниб, уни кўришга, унга етишга орзуманд бўлмоқ. *Онани қўмсамоқ. Ватанни қўмсамоқ.* ▬ *Эри билан қўлтиқлашиб ўтса барнолар, Раҳматлик чолгинамни қўмсаб йиғлайман.* Ғ. Ғулом. *Киши қаригандан кейин киндик қони тўкилган жойини қўмсаб қоларкан.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

ҚЎМСАШ 1 Қўмсамоқ фл. ҳар. н. *Юртни қўмсаш.*

2 Ўз ватани, туғилган юрти, яқин кишиси ва ш.к. дан умрбод ёки вақтинча ажралган, узоқликда бўлган кишиларда юз берадиган руҳий ҳолат.

ҚЎНАЛҒА Тураржой, бошпана бўлиб хизмат қилган (қиладиган) жой; макон, манзил (яна *қ.* **қўним 1, қўнолға 2**). *Даштларда, йўл бўйларида бундай қўналғаларнинг қолдиқлари сақланиб қолганлигига кўзингиз тушгандир.* М. Сатторов, Ўзбек удумлари.

ҚЎНАРЛИ Қўнса, тўхтаб дам олса бўладиган. *Наби полвон ва бошқа ўзига тинчроқ кишиларнинг ҳовлилари меҳмон қўнарли бир ҳолга келтирилган.* С. Айний, Қуллар.

ҚЎНДИРИЛМОҚ Қўндирмоқ фл. мажҳ. н. *Самолёт ерга қўндирилди.* ▬ *Қор куралди, ерга тахта ётқизилди, устига чодир капалар, қора уйлар қўндирилди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. *Ниҳоят, шам келиб, токчага қўндирилгач, уста Олим сукунатдан бош кўтариб, қутидорга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎНДИРМОҚ 1 Қўнмоқ фл. орт. н. *Қушни қўлга қўндирмоқ. Самолётни ерга қўндирмоқ. У кийимига гард қўндирмайди.* ▬ *Вақт-бевақт бировникига бир меҳмон келса, отини ушлаб, жой бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул одам сахий, агарда жойи бор туриб, «жой йўқ», деб қўндирмай жўнатса, бул одам бахил.* «Алпомиш».

2 *кўчма* Киймоқ (асосан бош кийими ҳақида). *Бошига дакана қўндирмоқ.* ▬ *Қиз силлиқ, текис ўрилган узун, кўркам, ипакдай майин қўш кокилини бир-бир қўлга олиб кўрди.. кейин янги чуст дўппини бошига қўндириб, ҳовлига чиқди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

3 Қурмоқ, тикмоқ, тикламоқ. *Полизга капа қўндирмоқ.* ▬ *Тахт ясаб, қўндирди пўлатдан қўрғон.* «Ширин билан Шакар».

Гап қўндирмоқ Билимдонлик, маҳмадоналик қилиб, керак бўлса-бўлмаса, бирор гап айтмоқ. *Оғзингдан бир гап чиқса, у ўнни қўндиради.*

ҚЎНДОҚ 1 Милтиқ, автомат, қўл пулемёти ва ш.к. қуролларнинг барча қисмларини тутиб турадиган ва отганда елкага тираб туриладиган қисми. *Милтиқнинг қўндоғи.* ▬ *Қорабоев автомат қўндоғи билан офицернинг бошига шундай урдики, автомат қўндоғи ҳам синиб учиб кетди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

2 Қушлар тунаши учун ўрнатилган дор, қўноқ; умуман, қушлар қўниб дам оладиган, тунайдиган жой; қўнолға. *Бола, тонг отмай, товуқлар қўндоқларидан тушмай, яна ишга тушар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳар икки қуш ҳам овқатга қўндоқдан туриб сипоҳгарчилик билан бир кўзлаб қаради-да, юзини чиртта тескари ўгириб олди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 Кўмиш учун дасталаб боғланган ток. *Токларни қўндоқ қилмоқ.*

4 *этн.* Чақалоқнинг бешикка белаништача бўлган, чарвисимон мойдан ҳали тоза бўлмаган даври ва шу даврда чақалоқ ўраладиган махсус йўргак.

Қўндоқда теккан касал (*ёки* **дард, феъл**) Ёшликдан қолган одат, эски одат, азалий, эски камчилик, иллат, нуқсон. *[Тоҳир:] Бу сизга қўндоқда теккан дард!* М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

ҚЎНДОҚЛАМОҚ 1 Токларни кўмиш учун дасталаб боғламоқ.

2 *кам қўлл. айн.* **йўргакламоқ.**

ҚЎНЖ Этик, маҳси ва ш.к. оёқ кийимларининг болдирни, иликни ўраб турадиган юқори қисми. *Қўнжи узун этик. Қўнжи баланд ботинка.* ▬ *Турсунбой қизил этигининг қўнжини болдирга бурма қилиб тушириб.. олган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қори этигининг қўнжидан дандон сопли пичоғини олиб, Ўрмонжонга берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚЎНЖЛИ Қўнжи бор; қўнжи узун, қўнжи баланд. *Кирза қўнжли этик. Қўнжли калиш.* ▬ *Эски беқасам тўн, қизил қўнжли этик кийган бир йигит катта хокандозда ўчоққа чўғ келтириб солди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎНИМ 1 Қўниш ёки туриш жойи, манзил. *Ёғин тиниб, мўйтанлар овули билан қирдаги қиётлар қўними орасига сўқмоқ йўллар тушди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Қўним топмоқ Муқим ўрнашиб, туриб қолмоқ. *Қосим бир идорада икки-уч ой ишлаб, иккинчи идорага кирар, у ерда ҳам қўним топмай, чиқиб кетар эди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 Хатти-ҳаракатсиз, тинч ҳолат; тиним, тинчлик. *Колхоз раисида қўним йўқ, машина олинг, Комилжон.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Қўними йўқ капалак гулдан гулга қўнади.* Т. Йўлдош.

ҚЎНИМЛИК *кам қўлл.* Қўниб, дам олиб ўтишга тўғри келадиган масофа бирлиги. *Оломон отда икки қўнимлик масофани босиб, кечга яқин хушҳаво бир манзилга тушди.* Ойбек, Навоий.

ҚЎНИМСИЗ Бир ерда узоқ, муқим тўхтамайдиган; беқарор, бардошсиз. *Қўнимсиз одам.* ▬ *Ҳеч ким қушларнинг ичида энг қўнимсизи, беқарори читтакнинг бу қилиғи*

тўғрисида аниқ бир нарса деёлмайди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ҚЎНИМСИЗЛИК Ишдан ишга, жойдан жойга кўчиб юриш; шундай хатти-ҳаракат, одат. *Кадрларнинг қўнимсизлигига барҳам бермоқ.*

ҚЎНИШ 1 Қўнмоқ фл. ҳар. н. *Буғдой қип-қизариб пишган, пояларигача қовдек қовурилган эди.. қушларнинг қўниши ёки чўқиши билан чарсиллаб синиб тушар эди.* С. Айний, Қуллар. *Уй бекаси бу ерда қўнишлари мумкинлигини самимий билдиргач, улар қандайдир иккиланиш билан бир-бирларига қарашди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Қўниш топмоқ *айн.* **қўним топмоқ** *қ.* **қўним 1.**

2 *айн.* **қўним 1**. *«Элга эл қўшилса — давлат, элдан эл кетса — меҳнат», деган гап бор. Бир борайлик, танишиб, қўниш қутли бўлсин қилайлик.* «Ёдгор».

3 *махс.* Чорва молларни боқувдан кейин дам олдирадиган, тунатиладиган жой. *Сувонжон кечки пайт сурувни қўнишга ҳайдаб келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Ой қаерда(н) қўниш берар экан Иш, ҳодиса ва ш.к. нима билан тугар экан; оқибати нима бўлар экан. *Қани, [сув] ёқалаб турайлик-чи, ой қаердан қўниш берар экан. Ойнинг қаерда қўниш беришини билмай қолдим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚЎНИШМОҚ 1 Қўнмоқ фл. бирг. н. *Меҳмонлар қаерга қўнишди?*

2 Жунжикмоқ. *Ғулом ака қўнишиб ўтирганича ухлаётган экан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Булар қўнишиб ётган аскарлар олдига киришди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҚЎНИ-ҚЎШНИ Яқин атрофда яшовчи кишилар, қўшнилар (бир-бирига нисбатан). *Хушрўйга болалик чоғидаёқ уй ичи ва қўни-қўшни «шаддод» деб исм берганлар, чунки у, кимдан бўлса бўлсин, айтганини қилдирмай қўймас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўни-қўшни, катта-кичик оғамларга салом айтинг.* Ҳамза. *Олапарнинг ҳайбатидан.. Миржалол қуруқнинг қўрғонига, ҳатто қўни-қўшниларникига ҳам гадой келмас эди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ҚЎНИ-ҚЎШНИЧИЛИК Қўни-қўшниларнинг ўзаро борди-келди муносабатлари; қўшничилик. *Аммо ҳозир қишлоқ жойларда ҳам қўни-қўшничилик, ҳамсоячилик ҳамин қадар.* Газетадан.

ҚЎНМОҚ 1 Учишдан тўхтаб, ерга ёки бирор нарсага ўтирмоқ, тушмоқ. *Қуш дарахтга қўнди. Вертолёт далага қўнди. Космик кема Ойга қўнди. Парашютчи белгиланган жойга аниқ қўнди. Қуш қаноти билан учиб, қуйруғи билан қўнар.* Мақол. ▬ *Ана, қоқди қанотин булбул, Келиб қўнди чиройли гулга.* И. Муслим. *Ҳаво жангида қаттиқ шикаст еган немис самолёти, нима бўлди-ю, шу ғарамдан йигирма-ўттиз метр нарига келиб қўнди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг устига келиб тушмоқ, ўрнашмоқ; инмоқ (юқоридан тушадиган ёки ҳавода ҳаракат қиладиган нарсалар ҳақида). *[Самолёт] Ўтиши биланоқ, қаноти остидан шовуллаб қуйган «ёмғир» ғўзалар баргига шудрингдай қўна бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *У [Ражаб] Ҳасан овчини кўриши билан шошиб, оёқ-қўлларини қоқди, киприкларига қўнган гардларни енглари билан артди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Сафарда дам олиш, тунаш ёки вақтинча истиқомат қилиш учун бирор жойда тўхтамоқ, бирор жойга тушмоқ, ўрнашмоқ. *Меҳмонлар қаерга қўндилар?* ▬ *Бугун бизга [бизникига] қўниб борадилар-да. Қовун пишиб қолди, қовун сайли қиламиз.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Бу саройга турли мамлакатлардан келган савдогарлар қўнар, чит, чой ва ипак моллар ҳаммаси шу ерга келиб тушарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳусайн Бойқаро Балхда амир Арғун деганнинг «Чаҳор боғи»га қўнди.* Ойбек, Навоий.

4 Тунни бирор жойда ўтказмоқ, тунамоқ. *Йўлда тўрт қўниб келдик.* ▬ *Бек шу кеча бу ерда қўнибдилар, ўтган кеча Қорахонникида эдилар.* С. Айний, Қуллар.

Оқшом қўнди Кеч кирди, қоронғи тушди.

ҚЎНОЛҒА 1 Қушлар қўниб дам оладиган, тунайдиган жой; қўндоқ. *Уча-уча ҳолдан тойган лочин қанотларини йиғиштирди-ю, қўнолғага келиб қўнди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Сафардагилар тўхтаб (қўниб) дам оладиган жой. *Ҳаддан ташқари ҳорган ахта ҳам иссиқ қўнолғага яқинлашганини сезди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Битта қўнолғага ўтирдик ҳорғин, Юраклар музлаган қўллардай турғун.* М. Шайхзода.

3 Умуман, бошпана, пана жой. *Олапар бошқа ёввойи ҳайвонлардан фарқли, қўнол-*

ғасига емиш кўтариб келишни билмас эди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ҚЎНОҚ I Қўнғирбошлар оиласига мансуб, дони тариқдан кўра майдароқ, бошоқли бир йиллик ўсимлик; ғалла ва ем-хашак экини.

ҚЎНОҚ II **1** Бирор жойга, бирор кимсанинг уйига қўнган, тушган йўловчи, сайёҳ; меҳмон. *Инсон қўноқ бўлар Ойга, Зуҳрага.* Х. Расул. *Опа, сиз паловга уннанг. Тоза, сен Эъзозхонни болалари билан олиб кел, қўноқ бўлиб кетсин.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Қушлар қўнадиган дор; қўндоқ. *Кун ботгач, товуқлар қўноққа чиқди.*

ҚЎНОҚЛАМОҚ 1 Тунаш ёки дам олиш учун қўноққа чиқмоқ, қўнмоқ. *Қорайган том бўғотларида қўноқлаётган чумчуқлар қулоқни тешгудай товуш билан чирқиллашади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Сафарда бирор жойда тўхтамоқ, бирор жойда тунамоқ; бирор жойга тушмоқ. *..ўтмишда аждодларимиз дуч келган жойда қўноқлашиб, яшаб кетаверганлар.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ҚЎНОҚЛИК I Қўноққа ярарли, қўноқбоп (*қ.* **қўноқ** II **2**). *Бу ёғоч қўноқликка ярамайди.*

ҚЎНОҚЛИК II Қўноқдаги, қўноқ бўлиб турган жойдаги вазият, ҳолат, ҳаёт (*қ.* **қўноқ** II **1**). *Нима қилай, ота-онадан ортиқ бир меҳрибоннинг уйида бўлганим учун, қўноқлик андишаси йўлимни тўсади.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ҚЎНОҚХОНА *эск. айн.* **меҳмонхона.**

ҚЎНОҚЧИ *эск.* Ўз уйига қўноқ, меҳмон қўювчи одам.

ҚЎНҚАЙМОҚ *с.т.* Дўмпайиб, хунук кўриниб турмоқ; беўхшов ўтирмоқ ёки жойлашмоқ, қўққаймоқ. *Бобомурод[нинг].. меҳмонхонаси тўрида қишлоқ имоми қўнқайиб ўтирган эди.* С. Айний, Қуллар. *[Шавкатнинг] Қўнғир сочи ўсиб кетганидан, бошидаги эски чуст дўпписи тепасида қўнқайиб, уни янада кулгилироқ қилиб кўрсатади.* С. Анорбоев, Гўзаллик истаб.

ҚЎНҚАЙТИРМОҚ Қўнқаймоқ фл. орт. н. *У нонуштадан сўнг чуст дўпписини қўнқайтириб, чойхонага чиқди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҚЎНҒИЗ Қаттиқ ҳимоя қобиғи билан қопланган ҳашаротларнинг умумий номи. *Қора қўнғиз. Тилла қўнғиз.* ▬ *Қоронғилик ичидан кеча қўнғизи ғўнғиллаб учиб, ўзини чироққа урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚЎНҒИР I **1** Қора-сариқ рангли, тўқ малла. *Қўнғир соч. Қўнғир сигир. Қўнғир кўмир. Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан.* Мақол. ▬ *Мирсаид қўнғир коверкот пиджагини ечиб, столнинг суянчиғига ташлади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *-Буниям арзи бор экан, — Нуриддин ака ёнида ийманибгина ўтирган қўнғир мўйловли йигитга ишора қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тўқ кулранг, қорамтир. *Тракторлар бир ҳафта кеча-кундуз тўхтовсиз ишлаб турди, пахта далаларининг ҳаммаси қўнғир тусга кирди.* С. Маҳкамов, Катта рулда.

ҚЎНҒИР II Қўнғирсимонлар оиласига мансуб қуш: тумшуғи ўткир, оёқлари калта, бошида иккита кокил ўсиб чиққан, пати жигарранг ўрдак. *Қўнғирлар май ойларида тухум очиб, жўжаларини июндаёқ учирма қилишади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚЎНҒИРБОШ Бошоқдошлар оиласига мансуб, қурғоқчиликка чидамли, серуруғ, сердон бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

ҚЎНҒИРОТ Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири, шу қабилага мансуб кишилар. *Қўнғирот эли.* ▬ *Булар бари қўнғирот, тотув бўлиб, бовурим, деб сени қўйнига олмаса, дарёнинг нарёғидаги офат тезроқ келади.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҚЎНҒИРОҚ 1 Силкитилганда, тили деворларга урилиб садо чиқарадиган, тўнтарилган конус шаклидаги металл асбоб. *Мис қўнғироқ. Бутхона қўнғироғи. Қўнғироқ чалмоқ. Туясидан қўнғироғи қиммат.* Мақол. ▬ *Бўйинларига осилган қўнғироқларни оғир жаранглатиб, туялар ўтади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Овоз чиқариб сигнал берадиган ҳар қандай мослама. *Соат қўнғироғи.* ▬ *Холмат электр қўнғироқ кнопкасини босиши билан, хона ичкарисидан ёқимли овоз эшитилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Каравот ёнидаги стол устида турган телефон қўнғироғи жиринглади.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

3 *с.т.* Телефон. *Тўхта, сен домла поччангни бу ерга киргизиб юбориб, ўзинг қўнғироқнинг олдида ўтир. Бирпасдан кейин мен қўнғироқ бераман.* Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

Қўнғироқ қилмоқ Телефон қилмоқ, телефон орқали гаплашмоқ. *Эрталабдан кечгача, гоҳида тунлари ҳам телефон трубкасига ёпишиб олиб, тўрт тарафга қўнғироқ қилади.* Т. Алимов, Хушбичим йигит.

4 *сфт. кўчма* Жаранглама, ёқимли (овоз ҳақида). *-Мен сизни танимадим, — деди қиз қўнғироқ товуш билан қатъий.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Унинг қўнғироқ овозини эшитган ҳар бир киши, узоқлардан бўлса ҳам етиб келарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 *сфт. кўчма* Буралиб-буралиб турадиган, жингалак (соч, жун ва ш.к. ҳақида). *Сочи қўнғироқ қизча.* ▬ *Халил жажжигина, истараси иссиқ, сочлари қўнғироқ, бўйи ўзига қарийб тенг келадиган дилкаш бир қиз билан танишди.* Туйғун, Дўстлик севинчлари.

ҚЎНҒИРОҚГУЛ Кенг пояли, барглари тухумсимон, гулларининг шакли қўнғироқсимон, бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

ҚЎНҒИРОҚЛИ Қўнғироғи бўлган, қўнғироқ ўрнатилган; қўнғироқ тақилган. *Қўнғироқли соат. Қўнғироқли эшик.* ▬ *Қишлоқ марказидаги Ёвариқ кўпригидан ҳар куни қўнғироқли туя карвонлари, турли-турли машиналар ўтиб туради.* И. Раҳим, Ихлос.

ҚЎПМОҚ *эск.* **1** Ўтирган ёки ётган жойидан турмоқ, тикка турмоқ; кўтарилмоқ. *Гўрўғлининг ўзига от тикка қўпиб даф қилади. Кунда бир сайисни ўлдиради.* «Хушкелди». *Оломон ҳайқириб чуввос соларкан, ярадор амалдор йиқила-қўпа дарахтлар орасида ғойиб бўлди.* Ойбек, Навоий. *Ғала-ғовур, бақир-чақир терак бўйи қўпган эсада..* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 *эск.* Юзага келмоқ, содир бўлмоқ, рўй бермоқ; қўзғалмоқ. *Аркда тўс-тўполон қўпди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ахир ногоҳ қўпган ваҳший шамоллар Ўтган-ку воҳани қумларга қориб.* Ш. Раҳмон, Гуллаётган тош. *Гўёки осмон чатнаб, қиёмат қўпгандек бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Тўнғиз қўпгур (*ёки* **гўрингда тўнғиз қўпгур)** Норозилик билан қаттиқ қарғашни ифодаловчи ибора. *Даданг шу тўнғиз қўпгурнинг заводида қанча йил тер тўкди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Гўрингда тўнғиз қўпгур золим мингбоши иккита қиличдай боламни мардикорга жўнатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚЎПОЛ 1 Бичими келишмаган; беўхшов, бесўнақай; дағал. *Қўпол этик. Қўпол кийим.* ▬ *Унинг тарвақайлаган қўпол, ялангғоч шохлари ҳовлининг у бурчагидан бу бурчагига етади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тахтадан қўполгина қилиб ясалган узун столга қизил мато ёзилган.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Кишига қаттиқ тегадиган, кишини ранжитадиган; дағал, қўрс, тунд, ёқимсиз. *Қўпол муомала. Қўпол сўз. Қўпол қилиқ. Қўпол ҳаракат. Қўпол ҳазил. Қўпол гапирмоқ.* ▬ *Раиснинг қўпол эътирозини эшитиб турган Бекбўта, қони қайнаб кетди шекилли, ўзини тутолмай, кескин гапирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Маориф мудири Хизиров унинг [Элмуроднинг] талабига қарши, томдан тараша тушгандай, қўпол жавоб қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мен ҳам сенга эски бир мақолни айтишим мумкин эди. Лекин жуда қўпол бўлганидан, айтишга тилим бормайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Шундай белги-хусусиятга эга бўлган шахс ҳақида. *Юзбоши Абдуллабек ўлгудай қўпол одам.. бу одамни қаранглар, қандай хушфеъл..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мени дағал десанг, тан бераман. Қўпол десанг, бўйнимга оламан..* Уйғун, Қалтис ҳазил.

4 Оқлаб, кечириб ёки тузатиб бўлмайдиган. *Қўпол хато. Бошқаларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашиш.* ▬ *[Унинг] Бу қўпол гуноҳини тасодифан чиққан хайрли натижасига бағишлаш, бундан кейин шундай хато қилса, қаттиқ жазо кўришини унга тушунтириш керак.* С. Айний, Қуллар.

ҚЎПОЛЛАШМОҚ 1 Қўпол, бесўнақай ҳолга келмоқ. *Қалин кийиниб қўполлашмоқ.*

2 Қўпол, совуқ муомала қиладиган бўлиб қолмоқ, тўнглашмоқ, дағаллашмоқ. *Битта мен эмас, ҳатто сенинг ўзинг ҳам қўполлашиб қолдинг, ортиқча гап кўтаролмайсан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *У аввалги Малахов эмас эди, қўполлашган, муомаласи тўнг, ҳаракатида тўнглик бор.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҚЎПОЛЛИК 1 Қўпол, бесўнақай кўринишга эгалик. *Кийимнинг қўполлиги.* ▬ *Ўзи хирсдай бақувват. Бир куни, «бу гавда, бу қўполлик билан айни фронтбопсиз-да!» деб қолмасманми. Қолдим балога.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Қўпол гап, муомала, бесўнақай хатти-ҳаракат ва ш.к. *У дарров узр сўради: -Қў-*

поллигим қурсин, эшикни қўққисдан очиб, чироқни ўчириб қўйдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўқитувчи тажанглик, қўполлик, шошқалоқлик, бесабрлик каби номатлуб сифатлардан бутунлай мусаффо бўлиши шарт.* Р. Усмонов, Одобнома.

ҚЎПОРИЛМОҚ Қўпормоқ фл. мажҳ. н. *Канал тагидан қўпорилган, кўчган сап-сариқ тупроқ полвон машина панжасида ундек эланарди.* Ш. Ғуломов, Азим дарёман, дебон.

ҚЎПОРМОҚ 1 Таг-туги, томири билан суғурмоқ, ағдармоқ. *Йўлчи ернинг тош бағрини ёриб, тўнка қўпоради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тракторлар гуруллаб-вариллаб, ёввойи жийда, чангал, туронғи, тол, дўлана сингари бута ва майда дарахтларни тагтомири билан қўпориб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ағдармоқ, ковламоқ; шундай ҳаракат билан бузмоқ. *Муҳиддин, Абдуваҳоблар кетмонларини сопладилар-да.. қамишзорларни қўпоришга киришдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Таг-туги билан йўқ қилмоқ, тугатмоқ. *Душманларни таг-томири билан қўпориб ташлашга қарор қилинди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 *кўчма кам қўлл. айн.* **ўмармоқ.** *Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ қўпориб, шу кенжа арзандасига сарф қилиш учун уринар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚЎПОРУВЧИ 1 Қўпормоқ фл. сфдш. *Тоғ қўпорувчилар.*

2 Қўпорувчилик билан шуғулланувчи шахс **(***қ.* **қўпорувчилик 2)**; диверсиячи, диверсант. *Шубҳасиз, бу — қўпорувчи гуруҳнинг яхши ниқобланган яширин қароргоҳи.* «Саодат».

ҚЎПОРУВЧИЛИК Бирор мамлакатнинг ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларини бузиш, вайрон қилиш мақсадида амалга оширилган (ошириладиган) ишлар; қўпориш ишлари; диверсия.

2 Диверсия акти, диверсия.

ҚЎР I **1** Майда чўғ аралаш иссиқ кул; майда чўғ. *Қўрга кўмиб пиширилган жўхори.* ▬ *Ҳовли ўртасидаги бир бузоқ билан икки қўй гўшти солинган дошқозон тагида ҳамон ўт ёнар, ўчоқ олдига тортилган қўрда эса, хизматкорлар исиниб ўтиришарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Човгумлардаги чой ичиб бўлинган, гулханнинг қўри сўна бошлаган.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши.

2 *кўчма* Қалб ҳарорати, ўт, ўғит. *Жамила холанинг табиати шунақа. Юрагидаги ёшлик қўри уни доим ишга, одамлар орасига ундайди.* Э. Носиров, Ташаккур сизга, холажон! *Қани, марҳамат, барно йигит, уйимизнинг тўри, қалбимизнинг қўри сизники. Ўтиринг!* С. Кароматов, Ҳижрон.

ҚЎР II **1** Йиғиб, тўплаб, ғамлаб қўйилган керакли нарса; захира, бойлик. *Қўр қилмоқ.* ▬ *Домланинг айтишича, қўр битган, бисотда ортиқча пул қолмаган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *У бир подшо бўлса, унда қўру қўрхона, тўпу тўпхона, ҳарна асбоб, лашкар, оломон кўп бўлса.* «Равшан».

2 Қут, барака. *Охир пулларимиз ҳам совурилиб, қўри ўча бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қўр тўкмоқ (*ёки* **ташламоқ**) 1) қўшин тўпламоқ; лашкар тўкмоқ. *Отам сен билан урушаман деб, яна қўр тўкиб ётибди, ботирлигингни кўрсат!* «Муродхон». *Душманлар келибди Яман қасдига, Қўр ташлаб ётганмиш тоғнинг остига.* «Фольклор»; 2) *рвдш. шаклида* — **қўр тўкиб** Савлат тўкиб. *Гўри Амир қўр тўкиб мағрур, Паҳлавондай менга тикилар.* М. Али. *Бошлиқ креслода ҳамон қўр тўкиб ўтирарди.* Н. Аминов, Суварак.

ҚЎРА 1 Ёғоч, шох-шабба, панжара ва ш.к. дан қилинган тўсиқ, ғов, девор ва шундай девор билан ўралган жой. *Овулнинг қамиш қўралари совурилиб кетди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Қўра орқасида арава ғилдиракларининг ғижир-ғижири эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Шундай жойда яшайдиган кишилар бирлиги. *Турсунбой олдинда, ҳамқишлоқлари бир қўра бўлиб келишди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Асосан, қўйлар сақланадиган жой. *Демак, қўзиси бор қўйларни ажратиб, қўра атрофида боқиш лозим.* «Ёшлик». *Ҳадемай, куз тугаб, қиш киради. Қўйлар қўраларга, қорамоллар оғилларга киритилади.* Газетадан.

4 *эск.* Атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой, тураржой. *Раҳим домла илгарилари Арслонбекнинг улфати бўлиб, бу «хасис бой» қўрасига кам меларди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Катта бойларнинг Тошкент янги шаҳарида бир нечадан қўраси бўлиб, уларни.. ижара*

қўйиб, дунё тўплар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚЎРАМТА *тар.* Камон ўқлари солиб, осиб юриладиган махсус халта, сумка; ўқдон. *Қўрамтага қўл солиб, бир тутам ўқ олди.* ▬ *Қон тортиб, одамнинг ажали етди. Ул Паризод қўрамтага қўл солди.* «Муродхон».

ҚЎРБОШИ *тар.* **1** Ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим Шарқ давлатларида: дастлаб шаҳарни тунда қўриқловчи миршаб; сўнгра қурол-яроғ омбори (қўр) мутасаддиси ҳамда қурол-аслаҳа, турли яроғлар ва тўп ясаш корхоналари (қўрхона) бошлиғи.

2 Туркистон ўлкасида Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи; миршабларнинг бошлиғи. *Миршаблар томонидан қўрбоши маҳкамасига сўроққа олиб кетилган қутидор қайтиб, йўлакка кириши билан, минг хил ташвишда ўтирувчи Офтоб ойим ила Кумушга қайтиб жон кирган каби бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат ҳарбий раҳбарларининг унвони. *Қўрбоши халқнинг турли табақалари орасидан чиққан обрўли шахс ҳисобланган. Улар орасида ҳатто аёллар ҳам бўлган.* «ЎзМЭ».

ҚЎРИМОҚ 1 (*б.к. ва т.к. билан*) Ҳимоя қилмоқ, сақламоқ, қўриқламоқ. *Боғ(ни) қўримоқ. Юрт қўрисанг, ўзарсан, қўримасанг, тўзарсан.* Мақол. ▬ *Полизнинг қоровули ҳам ҳосилини ўтган-кетгандан қўрийди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Молларни қўриб ётган итлар югуриб келиб, Ойқизжонни таниб, ўйнашиб сакрай берди.* «Фольклор».

2 (*т.к. билан*) Ўзини ёки бирор кимсани, нарсани қуш, пашша ва ш.к. дан ҳимоя қилиш учун уни қувмоқ, ҳайдамоқ. *Сояга боғлаб қўйилган отлар эринибгина пашшаларини қўрийдилар.* Ж. Шарипов, Саодат. *[Розия хола:] -Ҳозироқ бир болани чумчуқ қўрийдиган қилиб қўй! — деб Зуҳрани койиб берди.* Н. Назаров, Замон. *Мулла Саид Жалолхон.. бурнига қўнган пашшани қўлидаги рўмолча билан қўриш малол келди шекилли, остки лабини чўзиб, «пуф» деди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

Пашша қўримоқ *ёки* **пашша қўриб ўтирмоқ** Ҳеч нарса билан шуғулланмай, бекор ҳолда бўлмоқ. *Айтганингиздай, бир соатдан бери пашша қўриб ўтирибман.* И. Раҳим, Ихлос. *Ана ундан кейин шаҳарда бемалол пашшаларингни қўриб ўтираверасизлар.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ҚЎРИҚ 1 *кам қўлл.* Ҳимоя, мудофаа, сақлаш. *Башарти, қотил мен бўлиб кўринганимда ҳам, молим ва жоним қўриғида ўғриларни ўлдирганлигим учун яна гуноҳкор бўлмас эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Соқчилар турадиган ва улар ҳимоясида қўриқлаб, сақлаб туриладиган жой. *Кўкча қўрғонлари қўриғида анови қўрғонларникидек мудофелар кўп бўлмаса ҳам, йўқ эмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Экин ёки дарахт экилган, шунинг учун ҳам қўриқлаб туриладиган ер майдони; экинзор, боғ ва ш.к. *Сув талашган бўлсак, сиз ҳам, мен ҳам ўз қўриғимиз учун эмас, колхоз, халқ манфаати учун талашдик.* Ойбек, О.в. шабадалар.

4 Илгари ёки қачонлардир экин экилган, кейинча экилмай ташлаб қўйилган ер. *Қорабулоқда бекор ётган эгасиз, қақраб ётган қўриқлар кўп.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Не-не умидлар билан олинган ер, болалар ёш ва Анзират холанинг ўзи дардчил бўлгани учун, экувсиз қолиб, қўриққа қўшилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ёшлигимни қўмсаб, китоб очгандай, Минг йиллик қўриқнинг бағрин очаман.* С. Акбарий.

5 Ҳали ишланмаган, деҳқончилик қилинмаган, аммо экишга яроқли жойлар; бўз ер. *Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш.* ▬ *Кўкламда она-бола тоғ этагидаги қўриққа чиқиб, белкурак билан ер ағдариб, лалми буғдой экишди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Қўриқ очмоқ Илгари экин экилмаган ёки ташлаб қўйилган ерларни ўзлаштириб, ишга солмоқ, у ерларда экин экиб, деҳқончилик қилмоқ. *Канал бўйлари, янги очилган қўриқ, у ердаги дашт бригадаси хаёлидан ўтди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 *шв.* Ҳалқа қилинган арқон. *Шериги қўлига қўриқ олади, Қўриқлигин Ойчинор не билади.* «Ойсулув».

ҚЎРИҚЛАМОҚ Ҳимоя, мудофаа қилмоқ, сақламоқ. *Ботир бўлсанг, қўриқлагин шаҳрингни.* «Эрали ва Шерали». *Шоир, тевараги Ширим қоровул бошлиқ посбонлар*

қўриқлаган ҳашаматли ипак чодирга кирди. Ойбек, Навоий. *Табиатни қўриқлаш масаласи ҳозир кўпчиликнинг диққат марказида.* «Фан ва турмуш».

ҚЎРИҚХОНА Белгиланган қонунларга мувофиқ давлат томонидан ажратилган, алоҳида илмий ёки маданий аҳамиятга эга бўлган (ноёб ландшафт, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, фойдали қазималар ва б.), табиий объект жойлашган ҳудуд. *Асраймиз ўсимлик хилларин тайин, Асраймиз ҳайвонлар камёб зотини. Ҳатто атрофларин ўраб атайин, Қўриқхона, деймиз сўнгра отини.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ана шу кўлнинг поёнсиз чор атрофи давлат муҳофазасига олиниб, қўриқхонага айлантирилган.* О. Абдураҳмон, Милтиқ отилмади.

ҚЎРИҚЧИ I **1** Ҳимоя қилувчи, ҳимоячи, соқчи, посбон. *Чегара қўриқчилари.* ▬ *Дарвозахона устидаги қўриқчилар Бобурнинг одамларини масхара қилиб кулишарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қушларни чўчитиш, улардан боғ, полиз ва ш.к. ни қўриқлаш учун ўрнатилган қўғирчоқ одам; қаратқи. *Мени нима деб ўйлайсан-а. Сен учун пайкалдаги қўриқчиманми?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шунинг учун эски чопондан полизимизга қўриқчи қилдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚЎРИҚЧИ II Қўриқ ер очувчи, қўриқ ерда ишловчи шахс. *-Агар орзу қилмасак, ҳосилларимиз қамровини чеклаб қўйсак, унда эртанги кунимиз нима бўлади? — дейди қўриқчилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Олтойнинг бепоён қирларини ўзлаштириш учун жўнаб кетаётган қўриқчилар бу ерга келар эдилар.* Газетадан.

ҚЎРИҚЧИЛИК 1 Қўриқчи иши. *Қўриқчилик жонга тегди.*

2 Ҳимоя, пана, паноҳ. *Крейсер қирувчи самолёт қўриқчилигида денгизга бораётир.* «Гулхан». *Қўриқчилар Бобурнинг кўзига ташланмасликка тиришиб, ҳужранинг орқа томонида қўриқчилик қила бошладилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚЎРС Кишига қаттиқ тегадиган; қўпол, дағал, тўнг. *Қўрс одам. Қўрс сўз. Қўрс муомала.* ▬ *Унга юзма-юз келиб, бундай қўрс, бундай терс гапларни ҳеч вақт айтган эмас эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўрс жавоб орага яна жимлик туширди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Аваз ўз феълини билади: у инжиқ, юраги тор, қўрс.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҚЎРСЛИК 1 Қўрс эканлик. *Гапининг қўрслиги, муомаласининг совуқлиги учун қишлоқилар уни «Соли совуқ» деб атардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қоровулнинг қўрслигидан энсаси қотиб, қабулхона томон йўл оларкан, яна ғижиниб қўйди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

2 Қўрс, совуқ муомала, қўполлик, тўнглик. *Дадажон.. Расул акага қўрслик қилиб қўйгани учун зўр бериб ўзини койир, ишнинг нима билан тугашига ақли етмас эди.* А. Муҳиддин, Миришкор.

3 *шв.* Димоғдорлик, кеккайиш. *Бу гап Асқар отага умрида бир марта от миниб, ўзини зўр чавандоз ҳисоблаган ёш боланинг қўрслигидай туюлди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ҚЎРХОНА *эск.* **1** Қурол-аслаҳа сақланадиган омбор, қуролхона, арсенал. *Англия қурол-яроғини олиб келган кейинги карвон амир ҳазрати олийларининг қўрхоналарига сиғмай қолди. Қўрхона ёнидаги «Дорушшифо» мадрасасига ҳам ҳарбий анжом сандиқларини киритиб, териб қўйишга тўғри келди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Қимматбаҳо нарсалар, бойликлар сақланадиган омбор; хазина. *Ҳукуматимнинг қўлига Тушди-да қўрхонаси..* «Фольклор».

ҚЎРЧИ *тар.* **1** Ўрта асрларда Туркистон ва айрим Шарқ давлатларида: туркий қабилаларнинг эътиборли ва ишончли кишиларидан саройда тузилган махсус ҳарбий қисм жангчиси (ҳукмдорни ва нуфузли аъёнларни қўриқлаган).

2 Темурийлар даврида: экинзорларни қўриқловчи ҳарбий қисм жангчиси.

ҚЎРҚА-ПИСА *рвш.* Дадил ботинмай, қўрқимсираб, бир оз хавотирланиб. *Лаъли электр чироқ ёниб турган оқ уйга қўрқа-писа кирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Санобар ўзининг тақдири Алихоннинг шу суратга муносабатидан ҳал бўладигандек, қўрқа-писа унга қаради, нафас олмай кузатди.* «Ёшлик». *Мен яна қўрқа-писа сўрадим: -Узум берсам, ейсанми?* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

ҚЎРҚАРЛИ Киши қўрқадиган, қўрқувли. *Хавотир бўлманг, бунинг ҳеч қўрқарли ери йўқ.*

ҚЎРҚИМСИРАМОҚ Бир оз қўрқмоқ, хавфсирамоқ. *Қўрқимсираб гапирмоқ.* ▬

[Тўлахон:] Худойим билади [қўрқимсираб ялиниб], жон хола. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҚЎРҚИНЧ 1 Қўрқув ҳолати, ҳисси; қўрқув, даҳшат, ваҳима. *Унинг вужудини қўрқинч қамраб олди. Қўрқинчга тушмоқ.* ▬ *Нигоранинг ҳамон қўрқинч, даҳшат тўла кўзларида миннатдорчилик учқуни йилтиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Хавотирлик, безовталик ҳолати, ҳисси; хавфсираш, ҳадиксираш; ҳадик. *Николиннинг қалбини янги бир қўрқинч таталарди. Ўқ-дори, озиқ-овқат унда чегарали эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Энди бу иккинчи сохта хатни ёздиришда, гарчи ҳозир Отабекнинг қўлёзмаси ўз қўлида бўлса ҳам, яна қўрқинчи йўқ эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *айн.* **қўрқинчли.** *Отабек сапчиб кетди, туси қўрқинч ҳолга кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тошни тошларга уриб, Тарқатиб қўрқинч оҳанг.* Ғайратий. *Кумушбиби ортиқ чидолмадими, қўрқинч бир товуш билан ҳайқирди: -Оҳ, ўламан, кўп сўзлама!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎРҚИНЧЛИ 1 Кишини қўрқувга, ваҳимага, даҳшатга соладиган, даҳшатли, ваҳимали. *Қўрқинчли туш. Қўрқинчли манзара.* ▬ *Унинг ранги оқариб, важоҳати қўрқинчли тус олган эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Одамларнинг унингсиз ҳам хароб эгни-бошлари тўкилди, афсоналардаги яъжуж-маъжуж каби қўрқинчли тус олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кишини хавотирликка соладиган, безовта, хавотир қиладиган; хавфли, хатарли. *Қўрқинчли касаллик.* ▬ *Узун ва иссиқ ёз кунида подшоҳни саҳарликсиз қолдириш бегимлар учун ўзлари оч-наҳор қолишларидан қўрқинчлироқ эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚЎРҚИНЧСИЗ 1 Қўрқарли ери йўқ, қўрқинчли эмас.

2 Хавотир оладиган, хавфсирайдиган ери йўқ, хавфли, хатарли эмас; бехавотир, хавфсиз.

ҚЎРҚИНҚИРАМОҚ *айн.* **қўрқимсирамоқ**. *Рост, амаки, лекин хўп олишдим, жағига ўхшатиб солардим-ку, қўрқинқирадим, ёшман-да.* Ойбек, Болалик. *Миннатдорлик билдиргим ҳам келарди, алланечук қўрқинқирардим ҳам ундан.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҚЎРҚИТИШ *ҳуқ.* Бирон-бир шахсга ёки ижтимоий манфаатларга оғзаки, ёзма шаклда ёки бошқа усуллар билан жисмоний, моддий ёки бошқа турдаги зиён етказиш ниятини ифода этиш; инсонга руҳий азоб бериш усулларидан бири.

ҚЎРҚИТМОҚ 1 Қўрқмоқ фл. орт. н. *Бутун юзи қулоқларигача кўкариб, қўллари ёнига шалвираб тушган Писмиқ ўлим тусига кириб борди. Бу ҳол Соли совуқни жуда ёмон қўрқитиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ёлғон дўқ-пўписа ва ш.к. билан юрагига ғулғула солмоқ. *Ёш, кетаман, деб қўрқитади, қари, ўламан, деб қўрқитади.* Мақол. ▬ *Бераҳмлар, наҳотки болани шунчалик қўрқитсаларинг! Сен ҳам шунинг товушига уйғондингми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Баъзи бир чумчуқ юраклиларни қўрқитиш учун қилинган иш бу!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚЎРҚИШ 1 Қўрқмоқ фл. ҳар. н. *Йигит қўрқиш, ранги ўчиш ўрнига ҳадеб кулар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *айн.* **қўрқув.** *Душманлар кўп питирлашди, Қўрқишлари ҳаддан ошди.* «Гулихиромон».

ҚЎРҚМАС 1 Қўрқмоқ фл. бўлишсиз сфдш. *У ҳеч нарсадан қўрқмас эди.*

2 Қўрқишни билмайдиган; довюрак. *Бу қўрқмас, қотмадан келган.. командир урушнинг бошидан охиригача ҳарбий хизматда бўлди.* Газетадан.

ҚЎРҚМОҚ 1 Қўрқув ҳис этмоқ, қўрқув ҳиссига берилмоқ. *У ҳеч нарсадан қўрқмайди. Қўрққанга қўша кўринар.* Мақол. ▬ *Тешабойнинг жаҳли чиқди: -Тешганда кўзингизни тешмайди-ку! Мунча қўрқмасангиз?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Келин қўрққанидан ҳуши кетиб қолди.* Ҳамза, Бурунги қозилар.

2 Қўрқоқлик, юраксизлик қилмоқ, юраги бетламай, дов бермай қочмоқ. *Қўрққан олдин мушт кўтарар.* Мақол.

3 Ҳадик олмоқ: ботина олмаслик, юраги дов бермаслик; чўчимоқ. *Ҳаёт.. худди йиқилиб кетишдан қўрққандек, бир қўли билан танчани ушлаб, юзини йигитдан хиёл қочириб ўтирарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дардини айтибди-ю, фамилиясини айтгани қўрқибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ҚЎРҚОҚ Ҳар нарсадан қўрқаверадиган, юраги йўқ, юраксиз. *Зилзила уни янада қўрқоқ, бўлар-бўлмасга чўчийдиган қилиб қўйган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Қўрқоқ ўлмасдан бурун ўлади, ўликдан нима кутиб бўлади.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Қўрқоққа кўланка азроил, дейдилар.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

ҚЎРҚОҚЛИК Қўрқоққа хос ҳис-туйғу, хатти-ҳаракат. *[Шербек] Курашда қўрқоқлик.. нималигини билмайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қўрқоқлик доғини ўлим ювolmaйди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Агар яна шунақа қўрқоқлик қилар экансан, каллангни оламан.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҚЎРҚУВ Қўрқиш ҳис-туйғуси, шундай ҳис-туйғули ҳолат, руҳий ҳолат. *Қўрқувга тушмоқ. Юрагига қўрқув солмоқ. Уни қўрқув босди.* ▬ *Жангга кирдингми, қўрқувни унут, Ўлишни эмас, ўлдиришни ўйла.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Одамлар қўрқувдан қалт-қалт титрабдилар.* «Олтин бешик».

ҚЎРҚУВЛИ Қўрқув уйғотадиган, қўрқув ҳолатли, қўрқув ифодали. *Атрофга қўрқувли назар ташламоқ.* ▬ *Нури ёлғиз қоларкан.. кузнинг ойдин кечасидаги қўрқувли, лекин унинг учун энг тотли дамлар ёдидан ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўрқувли кўзлар билан теваракни кузатди.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

ҚЎРҚУВСИЗ Қўрқинчдан, қўрқинч ҳиссидан холи, тинч. *Онахоннинг кўз қараши қўрқувсиз, нафратли ва мағрур қараш эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҚЎР-ҚУТ Йиғиб, тўплаб, ғамлаб қўйилган нарса, бойлик, захира; қут-барака. *Шунисига суюнаманки, ўша вақтларда яхшигина рўзғор тузиб, қўр-қут орттирган эканмиз, бари халқнинг корига яради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Эшон аянинг бирдан-бир нияти қўлда қолган қўр-қутларни сақлаб қолиш, пишиб ҳилвираб турган эшонни ўз масканига қўйиб, бойликларига эга бўлиш.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳозир эски қўр-қутдан бор, лекин ётиб еганга тоғ чидамайди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҚЎРҚҚУЛИК Қўрқиш керак, қўрқиш керак бўлади. *Бу одамдан қўрққулик: Одамни ҳажв қилиб юборади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Пулки кишини хазондай учириб юрдими, ундай пулдан қўрққулик.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ҚЎРҒАЛАМОҚ *кам қўлл.* Қўрғамоқ. *Атрофда эса уни шериклари ўраб-қўрғалаб, ҳимоя қилиб боришарди.* «Гулистон».

ҚЎРҒАМОҚ *шв.* Қўриқламоқ, сақламоқ. *Ватанни қўрғамоқ.* ▬ *Агар у жанг вақтида жонини қўрғаб, ўртоқларига хиёнат қилиб, тўнгакнинг орқасида бошини кафтига қўйиб ётмаса, тепасига бостириб келаётган [душманни] кўрарди, отиб ўлдирарди, ўзи саломат қоларди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Жанг айламоқда ёри, қўрғаб саодатини: Гулшанда бахт майидан мастона ёра айтинг.* Уйғун.

ҚЎРҒОН 1 Ўрта асрларда қалин ва баланд мудофаа девори билан ўраб қурилган, асосан, бир дарвозали шаҳар-қалъа. *Ёв қўрғонини қамал қилиб, унинг кулочкаш баланд деворлари ёнига чодир ташлаган қўшин каби одамлар тоғ этагига тўлиб кетдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ғиждувон қўрғонининг шарқи-шимол ва ғарб томонларидан чиқаётган.. ғулғулали товуш ҳавони титратмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

2 Қалъа, шаҳар, қўрғон ва ш.к. ни мудофаа қилиш учун қурилган мустаҳкам девор. *У баланд қўрғон билан ўралган бўлиб, ичкарига тўртта темир дарвозадан кирилар эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Азизбек ташаккурни битиргач, ҳудайчи қўрғон устидаги мудофеларга бор товушини қўйиб қичқирди: -Бек жаноблари бу кунги рустамона ғайратларингизга дуо қиладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўчоқ бошида қумғон, Атрофим баланд қўрғон. Кўнгил берган ёримни Кўролмасдан бағрим қон.* С. Абдулла.

3 Дала жойда ва умуман шаҳардан ташқарида атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой ва унинг ичидаги бинолар (атрофи, одатда, боғ, экинзорлардан иборат бўлган). *Арслонбекнинг қўрғонини.. бу йўлга тушиб олган кўр ҳам топади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Шербек қишлоқнинг энг четидаги қўрғонни ҳам босиб ўтди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚЎРҒОНБЕГИ *тар* Қалъани, қўрғонни ҳимоя қилувчи соқчиларнинг бошлиғи, қалъа коменданти. *Азизбек, қаршисида қўл боғлаб турган қўрғонбегидан сўради: -Йигитларингизнинг барчаси ҳам қуруқ қолмадими? -Давлатингиз соясида, тақсир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎРҒОНЧА 1 Қўрғон 3 с. кичр. *Йигитлар Максимнинг қўл-оёғини боғлаб, икки яшик асбоб-ускуна билан олиб қочишди. Икки кун арчазордаги қўрғончада қамалиб ётди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қишлоқдаги пахса деворли қўрғончалар бой, бадавлат одамларники бў-*

либ, гуваладан қурилган пастак уйлар камбағал-қашшоқларнинг бошпаналари эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кичик қишлоқ, қишлоқча. *Булоқбошидаги қўрғончамиз ҳаммаси бўлиб эллик беш хўжалик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎРҒОШИН Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оғир, юмшоқ, тез эрийдиган, кўкиш-кулранг металл. *Соф қўрғошин. Қўрғошин рудаси. Қўрғошин қотишмалари.* ▬ *-Мана, — тугунчани Сувонжонга берди, — ярим кило дори, ярим кило қўрғошин. Ичида тўнғиз ўқ ҳам аралаш.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тоғда нодир металларнинг белгиларини кўриб, вольфрам, молибден, қўрғошин қидиришган.* С. Анорбоев, Ишчилар.

ҚЎРҒОШИНЛИ 1 Ичида ёки таркибида қўрғошини бўлган. *Қўрғошинли баббит.*

2 Қўрғошин қуйилган; қўрғошин ёки унинг бирикмасидан ясалган. *Қўрғошинли аккумулятор.*

ҚЎСҚИ 1 Кийилавериб эскириб кетган, жулдури чиққан, жулдур кийим. *Бошида кир, тўзғиган салла, чопони ҳам қўсқи.* Ойбек, Улуғ йўл. *Шу қўсқиси тўрт йилдирки, янги бўлмас.* Ғ. Ғулом.

2 Шундай уст-бошли киши ҳақида. *Мен.. отдан тушсам ҳам, эгардан тушмас эдим. Мен кимман ахир, Омон қўсқига бўйсуниб кетавераманми!* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 *кўчма* Дағал, қўрс. *Одамлари бир-бирини сизлаб гаплашади, биздагига ўхшаб қўпол, қўсқи эмас.* И. Шомуродов, Мағлубият.

ҚЎТИР 1 Баданда пуфакчалар ҳосил қилиб, қаттиқ қичиштирадиган юқумли тери касаллиги. *Тиқилинч ва ифлос жойларда, ётоқларда яшовчи кишилар турли терлама, қўтир.. ва бошқа шунга ўхшаш юқумли касалликларга дучор бўладилар.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Шундай касалликка йўлиққан. *Қўтир бола. Қўтир эчки.* ▬ *Писмиқ, эгасидан хўп калтак еб, яна билтанглаб қолган қўтир итдек, эгилиб-букилиб, ерга сирпангандек бўлиб инқиллади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҚЎТОН I **1** Бирга боқилаётган катта қўй тўдаси; қўй подаси; сурув. *Шу кеча тушимда чўпон бўлибман, Қўтонимни қирнинг тўрида кўрибман.* Ислом шоир. *Майдонга бир қўтон қўйни ҳайдаб келишди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

2 Қўй ёки мол қамаладиган катта қўра ёки махсус бино; қўйхона, молхона. *Умарқул эрталаб, ердан қиров кўтарилай деганда, қўйларни қўтондан ҳайдаб чиқарди.* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи. *-Оворагарчиликни айтмайсизми, — деди пақир ушлаб турган новча киши, — қишда қишлоққа, ёзда яйловга мол ҳайдаймиз. Шу ерга қўтон қурилса бўлмайдими?* И. Раҳим, Ихлос.

ҚЎТОН II: **кўк қўтон** *қ.* **кўкқўтон. Оқ қўтон** *қ.* **оққўтон.**

ҚЎТОНЛАБ Бир неча қўтон, қўтон-қўтон. *Салимбой ўлгандан кейин, унинг ўрнига Мадамин оқсоқол бўлиб қолди. Юзлаб қўш-ҳўкиз, йилқи, қўтонлаб қўй-эчки бунга қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎТОНЛАМОҚ 1 Атрофни ўраб, қўтонга айлантирмоқ, қўтон қурмоқ.

2 Қўтонларга айирмоқ, бўлмоқ.

3 Қўтон бўлиб турмоқ, жойлашмоқ. *Тепанинг усти теп-текис, бемалол бир сурув қўтонласа бўларди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ҚЎТОС I Марказий Осиёнинг баланд тоғли ҳудудларида яшайдиган, ҳўкизлар кенжа оиласига мансуб кавш қайтарувчи ҳайвон. *Қорамолнинг тоғ шароитига мосланган энг кучлиси ва маҳсулдори саналган қўтосни армани қишлоқларида кўп учратдик.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ҚЎТОС II *шв.* Бўйинга тақиладиган безак буюми. *Қўтос тақди бўйни узун бедавога, Қирқ қуббали юган урди бошига.* «Хушкелди». *Ана шунда тилла қўтос тақинган ўн тўрт маҳрам Бойбўридан Бойсарини сўраб бориб қолди.* «Алпомиш».

ҚЎЧҚОР 1 Совлиқларни уруғлантиришда фойдаланиладиган, бичилмаган эркак қўй. *Зотли қўчқор.* ▬ *..ўтган йили эса майин жунли зотли қўчқорлар келтирилиб, ўзимизнинг жайдари қўйларга.. чатиштириш бошланган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма с.т.* Кишига нисбат берилади; зўр, ботир, паҳлавон. *Чамбилнинг қўчқори ўзим бўламан, Чамбил элтиб, сени лойга соламан.* «Маликаи айёр». *Бу юришингдан сенга ўлмоқлик даркор, Бу сўзларни айтиб шундайин қўчқор.* «Муродхон».

Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас Иккита бир хил манман, зўр ва ш.к. одам бир жойда муроса қилиб

яшолмайди, чиқишолмайди, маъносидаги матал.

3 Қўчқор (эркаклар исми).

ҚЎЧҚОРБОЗ Қўчқор боқиш ва уриштиришни яхши кўрадиган одам. *Машҳур Алимжонбойнинг ўғли Тўрахон бойвачча қўчқорбоз, хўрозбоз.. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҚЎШ I **1** Иккита, бир жуфт; қўшалоқ. *Қўш белбоғ. Қўш ёстиқ. Қўлларида қўш узук. Қўш ғилдиракли арава. Қўш отли извош. Қўш табақали дарвоза. Қўш карнай.* ▬ *Юқоридаги бир-бирига мингашиб турган қўш харсанг тагидан виқир-виқир қайнаб сув чиқмоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қўш қўллаб *қ.* **қўллаб 2**.

2 Бир вақтда, биргаликда содир бўл(ади)ган, юз бер(ади)ган (*яна қ.* **қўшалоқ 2**). *Қўш байрам. Қўш тўй.*

3 Омочга қўшилган бир жуфт (ёки битта) ҳўкиз ёки от. *Далага қўш чиқди.* ▬ *Зағчалар қағқағлашиб, қўш кетидан учиб-қўнишади.* Н. Фозилов, Оқим. *Қўш ҳўкизда ер ҳайдаб, бир отли сеялкада қўриққа чигит экилди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Қўш пайти (*ёки* **вақти, маҳали**) Ҳайдаш учун ер етилган, далага қўш чиқадиган пайт. **Қўш ҳайдамоқ** Қўш билан ер ҳайдамоқ. *Узоқдан қўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи эшитиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎШ II **1** Сафар, саёҳат ва ш.к. да вақтинча қўниш жойи; вақтинчалик қароргоҳ. *Ҳамма лашкар жам бўлиб, булар ҳам Асқар тоғдан ошиб, қўш ташлади.* «Гўрўғли». *Қўқон сипоҳлари эндиги ҳужумгача.. яраларини боғлаш, дамларини олиш учун қўрғон ёнидан қаёққадир қўшларига кетганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гуруҳ, тўда, тўп. *Полвоннинг қўшига гурланлик Ёқуббой, ҳазорасплик Қиличбойлар ҳам келиб қўшилдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚЎША I Иккита, бир жуфт; жуфт. *Қўрққанга қўша кўринар.* Мақол. ▬ *Ярашиқли келган қўша кокилинг.* «Ҳасанхон». *Қўша кунгурали бинолар, Қуббаларда ўйнайди қуёш.* Э. Раҳим.

Қўша қаримоқ Умрнинг охиригача бирбиридан ажралмасдан, бирга яшаб ўтмоқ. *Фотиманинг ҳам унга майли бор. Агар юлдузлари тўғри келган бўлса, қўша қаришсин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎША II *айн.* **қўш** II **2**. *Ташқарида бир қўша созандалар.. шаҳарнинг машҳур ҳофизлари ашула айтадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎШАЛОҚ 1 Иккита бир-бирига ёпишган, бир-бирига ёпишиб ўсган, ёпишиб туғилган ва ш. к. *Қўшалоқ олма. Қўшалоқ сомса. Қўшалоқ бошли бузоқ. Марғилоннинг қўшалоқ кулчаси.* ▬ *-Сизларга атаб олиб келдим, қизларим, — деди кампир ва бир жуфт қўшалоқ анорни рўмолидан олиб, Адолатга узатди, — буниси сенга, қизим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Самоварчи қўшалоқ бармоқли панжасини чўзиб, бир кўчани кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир вақтда содир бўлган, юз берган, бирга келган, қўш. *Қўшалоқ байрам.* ▬ *Бола-чақа, набиралар, дўсту биродорлар билан қўшалоқ тўй кунини ўтказиш вақтини келишиб олдик.* Т. Унабоев, Кумуш тўй.

ҚЎШАЛОҚЛАМОҚ *кам қўлл.* Иккита-иккита, жуфт-жуфт қилиб бирлаштирмоқ, қўшалоқ қилмоқ. *Пайтдан фойдаланиб, мен ҳам [гранатани] қўшалоқлаб отдим.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҚЎША-ҚЎША Жуфт-жуфт, бир неча жуфт; жуда кўп. *Кўкрагида қўша-қўша орден ва медаллар.* ▬ *Қўша-қўша палак, қўша-қўша паранжи, уч-тўрт уйни ясатишга етадиган дорпечлар, гулкўрпалар, чойшаблар.. Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚЎШБЕГИ *тар.* Қўш, яъни ҳарбий қароргоҳ ва лагернинг бошлиғи.

ҚЎШБОШ Икки бошли. *Қўшбош ёвуз бургут темир тирноғин Одамзод бўғзига санчиб турса-ю, Дилга сиғармиди фарзанд орзуси.* Миртемир.

ҚЎШИБ-ЧАТИБ Ёлғон, беҳуда, бўлмағур гаплар аралаштириб, алдаб. *Баъзида битта ё бўлган, ё бўлмаган воқеани бир эмас, бир неча газета ўзидан қўшиб-чатиб ёзади, ўқувчини ишонтирмоқчи бўлади.* Газетадан.

ҚЎШИЛИШМОҚ Қўшилмоқ фл. бирг. н. *Гапга қўшилишмоқ. Суҳбатга қўшилишмоқ.* ▬ *Дугонаси чиқиб, ундоқ деди, холанг чиқиб, бундоқ деди, ҳаммаси қўшилишиб, сени олиб, менга урди, мени олиб, сенга урди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Башарти, мен бу ваҳшатга иштирок қилган бўлсам, қайси*

ақл ва қандай манфаатни кузатиб қўшилишган бўламан? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎШИЛМА 1 Турли элемент, қисм ва ш.к. нинг ўзаро қўшилишидан таркиб топган нарса, бирикма. *Универсал асбоб.. икки айланувчи доиранинг қўшилмасидан иборат.* «Астрономия».

2 Йирик ҳарбий қисм (бригада, дивизия, корпус ва ш.к.). *Иккинчи Болтиқбўйи фронтининг қўшилмалари умумий ҳужумга ўтиш тараддудида эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҚЎШИЛМОҚ 1 Қўшмоқ I фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Бешга уч қўшилса, саккиз бўлади. Сут қўшилган чой. Икки от қўшилган извош. Ғайратига ғайрат қўшилди. Шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшилмоқда. Илғорлар ҳаракатига қўшилмоқ. Элга эл қўшилса — давлат.* Мақол. ▬ *Болтабойнинг чеҳраси очилиб кетди. Отим чиқсин, десангиз мусобақага қўшилинг бўлмаса.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кампир.. болаларга қўшилиб ҳингиллашган Нурига пичинг қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирлашиб, аралашиб кетмоқ, бирлик, яхлитлик касб этмоқ. *Робиянинг майин соч толалари йигитнинг юзига тегди, бир лаҳза икковининг нафаси нафасига қўшилиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *..тўнка ёнида сочлари ўсиб, соқолига қўшилиб кетган девона.. гулханни ёндиришга тиришар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Сафига кирмоқ. *Бир вақтлар саёқ йигитларга қўшилиб қолгандим-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Тўғри деб билмоқ, қўллаб-қувватламоқ, ёқламоқ. *Бировнинг фикрига қўшилмоқ.* ▬ *Мен Зокир отанинг таклифига қўшиламан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Муса аканинг гапларига қўшиламан, — деди Бектемиров.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚЎШИЛУВЧИ 1 Қўшилмоқ фл. сфдш. *Даврамизга қўшилувчи одамлар борми?*

2 *мат.* Бирор сон ёки миқдорга қўшиладиган иккинчи сон ёки миқдор. *Қўшилувчилар ўрни ўзгаргани билан натижа (йиғинди) ўзгармайди.*

ҚЎШИМЧА 1 *сфт.* Бор, мавжуд, режадаги нарса, ҳодиса ва ш.к. нинг устига қўшилувчи ёки уларни тўлдирувчи. *Қўшимча маҳсулот. Қўшимча дарс.* ▬ *Турғун сизга қўшимча ҳужжат бермоқчи.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *У.. домланинг ножўя ҳаракатлари тўғрисида қўшимча маълумотлар берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *от* Муҳокамага қўйилган қарор, резолюция ва ш.к. га киритиш учун таклиф этилган янги фикр, мулоҳаза ва ш.к. *Қарор қўшимчалари билан бир оғиздан қабул қилинди.*

Қўшимча қилмоқ Қўшимча гап, фикр, таклиф ва ш.к. билдирмоқ. *Ҳусайн Оға ўғли қўшимча қилди: -Бахтимизга сизларни учратиб қолдик.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қурбоналининг гапига у билан келган шерикларидан бири қўшимча қилди..* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

3 *от, тлш.* Сўзга қўшилиб, янги сўз ёки сўз шаклини ясаш учун хизмат қиладиган морфема (*қ.* **аффикс**).

4 *от* Асосий нарсага қўшилган, аралашган ҳар қандай бошқа нарса, аралашма. *Ҳеч қандай қўшимчаси йўқ, тоза асал.*

5 *от, с.т.* Илова.

ҚЎШИН Қуролли кучлар мажмуи ёки унинг бир қисми; аскар, армия. *Қўшинларимиз қарши ҳужумга ўтдилар* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи. *Кун чиқаётганда, шаҳар ташқарисида бир қисм қўшини билан Шайбонийхон пайдо бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҚЎШИШ 1 Қўшмоқ I фл. ҳар. н. *Ҳосилга ҳосил қўшиш.* ▬ *Бу, ўртоқлар, фан билан тажрибани бирга қўшиш орқасида эришган ютуғимиздир.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тешабой соябон аравани қўшишга буюрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *мат.* Икки ёки ундан ортиқ соннинг йиғиндисини топиш амали; қўшув. *Касрларни қўшиш ва айириш.*

ҚЎШИҚ 1 Кенг маънода шеърий-мусиқий жанр; ашула. *Лирик қўшиқ. Ҳажвий қўшиқ. Халқ қўшиқлари. Қўшиқ айтмоқ. Қўшиқ басталамоқ.* ▬ *Унда алла, қўшиқ бор. Иссиқ бағир ва ишқ бор.* Г. Жўраева, Иқбол. *Яхши куй ва қўшиқ инсонга хуш кайфият бағишлайди.* Газетадан.

2 Лапар, терма.

ҚЎШИҚЧИ Қўшиқ ёки лапар айтувчи киши, хонанда. *Чолғучилар бошладилар соз, Қўшиқчилар солдилар овоз.* Ғ. Ғулом. *Шу чоққача мўлтайиб, хаёл ичида шўнғиб ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҚЎШИҚЧИЛИК 1 *кам қўлл.* Қўшиқ айтиш касби, иши. *Қўшиқчиликни йиғиштир.*

2 Қўшиқлар яратиш, қўшиқ басталаш. *Маъруф Назаров кинематография, драматургия ва қўшиқчилик соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ҚЎШМА 1 Бирлаштирилган, бирлашган ҳолда амалга ошириладиган, ўтказиладиган, биргаликдаги. *Қўшма ахборот. Қўшма мажлис. Қўшма корхона.*

2 *тлш.* Икки ва ундан ортиқ тил бирлигининг қўшилувидан ташкил топган. *Қўшма гап. Қўшма аффикс. Қўшма сўз.*

ҚЎШМАЧИ Бегона аёл билан бегона киши (эркак)нинг учрашувига, қўшилувига воситачилик қилиб кун кўрадиган одам; далла. *Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шундай паст тушдимми!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ҚЎШМАЧИЛИК Қўшмачи иши, касби. *-Яхши бўлди, кета қолинглар, — деди хотинлардан бири унинг кетидан бурнини жийириб, — худодан қўрқармишлар булар? Биттаси қўшмачилик қилиб кун кўради.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҚЎШМЕТАЛЛ Икки хил металлдан ясалган, биметалл. *Қўшметалл пластина.*

ҚЎШМИСРА Икки мисра, ғазал, қасида ёки достондаги айрим бир байт. *Мазкур қўшмисра «Садди Искандарий» достонининг 88-бобида келган.* «Тафаккур».

ҚЎШМОЗОР Ёнма-ён иккита мозор.

Қўшмозор бўлмоқ Бирга, бир вақтда ўлмоқ; қирилмоқ. *-Худо хоҳласа, ҳаммаси қўшмозор бўлади! — деди Роҳатбиби. — Ҳақ жойида қарор топади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Қўшмозор қилмоқ** Иккаласини ёки бирйўла ҳаммасини ўлдирмоқ, қирмоқ. *Қишлоқларимизга разм солинг.. тунов куни Ғиждувон томондаги қишлоқлардан бирида деҳқонни таламоқ ниятида борган амир амлокдорларини сарбоз-парбозлари билан қўшмозор қилишибди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ҚЎШМОҚ I **1** *мат.* Қўшув амалини бажармоқ, жам қилмоқ. *Бешни бешга қўшмоқ.*

2 Бирор нарсага бошқа нарсани аралаштирмоқ ёки солмоқ. *Сутга сув қўшмоқ. Чойга шакар қўшмоқ. Лойга сомон қўшмоқ.* ▬ *Гулнор ўкчиб-ўкчиб сўзлади: -Заҳар.. Салим қўшган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳар бир ақли бор одам қовунга пиёз қўшиб ейиш нотўғри эканини билса керак.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Дарахтларнинг гулларидан сочилаётган ҳидни ҳаво билан қўшиб, ҳар қанча шимирсанг ҳам тўймайсан киши.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

3 Бўлак-бўлак, алоҳида, мустақил нарсалардан бир бутунлик ҳосил қилмоқ, бирлаштирмоқ. *Икки институтни қўшмоқ. Молу мулкни қўшмоқ. Сўзларни бир-бирига қўшиб, гап тузмоқ.* ▬ *Бешинчи ва еттинчи синфларни қўшиб ўқитяпти дадам.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бирини бошқасининг ёнига, устига қўймоқ, тиркамоқ, ташламоқ; бир қилмоқ, бир қилиб қўймоқ. *Хирмонга этак-этак пахта қўшмоқ.* ▬ *Шинель ва гимнастёркаларини ечди-да, тугун қилиб, бошқаларникига қўшди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Қўшимча тарзда бермоқ, киритмоқ. *[Мирзакаримбой] Бир нафас ўйлаб, яна уч сўмлик қоғоз ва бир сўлкавой қўшиб, Йўлчига ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Гап, фикр ва ш.к. қўшимча қилмоқ; гап қистирмоқ. *У Хадичахоннинг сўзига нимадир қўшмоқчи бўлди-да, ҳозир айтиб қолмаса, худди кечикиб қоладигандек шошди.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Ўша қувноқ вазиятини ўзгартирмай, қўшиб қўйди: -Оёғингиз оғримаяптими?* С. Кароматов, Олтин қум.

7 Борига яна нимадир киритмоқ, бирор нарсани яна нима биландир тўлдирмоқ. *Умрга умр қўшмоқ. Ҳуснига ҳусн қўшмоқ.* ▬ *Ҳазин мисрлар унинг дардига дард қўшар эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *..бу сайил навбаҳорга файз қўшарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

8 Қаторига киритмоқ, бирга қилмоқ. *[Ўзбек ойим:] Отабекнинг ёнига Ҳасаналини қўшиб, Марғилонга юбораман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу йигитни.. аскарий машқ ўтказаётган навкарларга қўшинг!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ишонмасак, сени тўдамизга қўшмасдик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

9 Бирга қилмоқ; бириктирмоқ. *Бири Робияни оёқларидан ушлаб олган, иккинчиси унинг қўлларини белига қўшиб, маҳкам қисиб турган..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

10 *этн.* Сарпо қилмоқ, сарпо, сеп тариқасида бермоқ. *Битта хитой жужун мурсакни кам кўриб, ёнига ўзининг қимматбаҳо заррин мурсагини.. қўшган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

11 Арава, извош, омоч ва ш.к. ни тортиш учун тегишли абзал ёрдамида бириктирмоқ (от-улов ҳақида). *Ҳозир нариги түриқ қашқани қўшаман жувозга.* Н. Фозилов, Оқим. *[Ёрмат] Отни қўшгандан кейин аравага қалин намат солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Офицер ҳозир: «Қўшга қўшсанг ҳам, майли, ишқилиб ўлдирма», деб кетаётибди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

12 От-улов тиркаб тайёр қилмоқ (арава, извош, омоч ва ш.к. ҳақида). *Фазлиддин.. аччиқ чойни ичиб қониққач, извошни қўшди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Сидиқжон] бир куни, тушки дам олиш вақтида, Зиёдахоннинг сўровига кўра, эшак-аравани қўшиб, дарёдан сув келтиргани борди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

13 Эркак киши билан аёлни уйламоқ, бир ёстиққа бош қўйдирмоқ, қовуштирмоқ. *Қирқ кун тўй қилиб, қирқ биринчи кечаси йигитларни қизларга қўшдилар.* «Эртаклар». *[Ҳасанали:] Бекни уйлантирдим, севганига қўшиб қувонтирдим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бошини қўшмоқ Уйлантирмоқ ёки эрга бермоқ. *Бир амаллаб қишдан чиқсак, Полвоннинг ҳам бошини қўшиб қўярмиз.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚЎШМОҚ II Қўшилиб турган, қўшилган; қўшалоқ нарса, қўшимча. *Қўрққанга қўш кўринар, қўшмоғи билан беш кўринар.* Мақол.

ҚЎШНАЙ Ўзбек, тожик ва б. шарқ халқларида тарқалган, бириктирилган икки найли, пуфлама тилчали мусиқа асбоби (бир-бирига ўзаро боғланган иккита бир хил ғаров қамишдан ишланади). *Бу майин оҳанг дам яқин, дам узоқдан эшитилар.. дам чиройли қўшиққа, дам қўшнай садосига ўхшаб кетарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҚЎШНАЙЧИ Қўшнай чалувчи созанда.

ҚЎШНИ 1 *от* Уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар (бир-бирига нисбатан). *Яқин қўшни. Ён қўшни. Ҳовли олма, қўшни ол.* Мақол. *Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан!* Мақол. ▬ *[Қосимжоннинг] Ойиси қўшни билан гаплашиб турарди.* Ў. Умарбеков, Она. *Бир қаричликдан дуторни севаман, бир қўшни келинчакдан ўрганган эдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Отабек] Гузарга чиққанда, Ҳасаналининг қўшниси бўлган Али эринибгина дўкон тахтасини туширмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Иш жойи, жойлашиш ўрни ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан). *Қиз сўраган курсант, ҳақиқатда, Элмуродга қўшни, иккинчи взводда ўқир эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ҳайрон бўлиб, сувдонга тикилди. У ковак эди — ўқ тешиб ўтибди, уни улоқтирди-да, қўшнисидан, серсоқол русдан сув тилади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *сфт.* Ёнма-ён турган, жойлашган, бир-бирига яқин, чегарадош. *Қўшни бригада. Қўшни маҳалла. Қўшни қишлоқ. Қўшни мамлакатлар.* ▬ *Йигит ялт этиб қўшни далага қаради. У ерда хотин-халажлар, бола-чақалар чувуллашиб, пахта теришаётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Қўшни бурчаклар *мат.* Бир томони умумий бўлиб, қолган икки томонини бир тўғри чизиқ ташкил этган иккита бурчак.

ҚЎШНИЧИЛИК Қўни-қўшнилар ўртасидаги борди-келди муносабатлари, қўни-қўшничилик. *Қўшничилик қилмоқ.*

ҚЎШОВОЗ *мус.* Икки овоз билан ижро этиш учун ёзилган мусиқа асари ҳамда шундай асарни ижро этиш; дуэт.

ҚЎШОЁҚ Орқа оёқлари ва думи узун, сакраб юришга мосланган тунги кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Илиқ тун.. Қўшоёқларнинг чийиллаши, аҳён-аҳёнда дардчил бузоқнинг азоб чекиб инграши сингари совуқ нидолар ҳам эшитилади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Зум ўтмай қўшоёқ билан бўз каламуш ҳам у ёқ-бу ёққа пилдираб, емиш ахтаришга тушдилар.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ҚЎШОТАР Қўшоғиз милтиқ. *Элгелди ёйилиб кетган сурувга кўз ҳам ташламай, қўшотарини қучоқлаб, яна ўтирди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *[Мадамин] Қишлоқдан чиққанидан кейин қўшотар ов милтиқни осмонга қаратиб, устма-уст икки марта ўқ узди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎШОҚ 1 *сфт.* Бир-бирига қўшилган; қўшалоқ. *Қўшоқ сомса.* ▬ *Бир кўзи ғилай-*

роқ.. Тиканак сингари Қошлари қўшоқ. Туйғун. *Анави малла йигит.. чилдирмани қўшоқ қилиб чаладиган, ҳунари ўткир чилдирмачи.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *с.т. кам қўлл. от* Умр йўлдоши, эр ёки хотин (бир-бирига нисбатан). *Бошқа гапларни кўнглингга келтирма, қизим! Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, икковларинг ҳам боламизнинг қўшоғи — боламизсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *от, махс.* Бир арқон билан боғланган икки ёки бир неча қўй; ўзаро боғланган қўйлар тўдаси. *Чўпонлар ҳам сотилмай қолган қўйларни қўшоқлардан чиқариб, ўтлоқларга ҳайдадилар.* С. Айний, Дохунда. *Тўламат Сувонжон билан бирга жуни ўсиқ қўзиларни тутиб, қўшоққа тиркашмоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

Қўшоқ арқон Бир неча қўйни ўзаро боғлаш учун мўлжалланган узун арқон. *Омон белидан қўшоқ арқонни ечди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. **Қўшоқ қилмоқ** Қўшоқлаб боғламоқ, бир нечасини бир арқонга боғламоқ.

4 *с.т.* Умуман, тўда, тўп; гуруҳ. *Олдинги туялардан бир нечаси қўшоғидан ажралиб келди-да, кийикни ўзига қўшиб олди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. *Колхозчи болалар ва қизлардан икки қўшоқ қўриқчилар тўдаси ташкил қилиб, болаларнинг ўзига ҳар бир қўшоққа бир бошлиқ сайлатди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

5 Қўшоқ (эркаклар исми; одатда олти бармоқли одамларга қўйилади).

Қўшоқ бармоқли одам Олти бармоқли одам. **Қўшоқнинг орқасида** (*ёки* **ичида**) **бўшоқ** Бир неча айбдор, гуноҳкор, жиноятчи ва ш.к. ичида бегуноҳ жазоланган кишига нисбатан айтиладиган ибора.

ҚЎШОҚЛАМОҚ Бир-бирига бириктириб, бир арқон билан боғламоқ, қўшоқ қилмоқ (қўй, эчки ва ш.к. ҳайвонлар ҳақида). *Омон белидан қўшоқ арқонни ечди. Қолган қўйларни қўшоқладик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚЎШОҒИЗ Стволи иккита бўлган, кетма-кет икки ўқ отиш мумкин бўлган, икки стволли (милтиқ ҳақида). *Шербек тўриққа устма-уст қамчи босди. Йўл-йўлакай қўшоғиз милтиқни бир қўлида ушлаганича елкасига қўйиб, отишга чоғлаб борди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҚЎШТАБАҚА(ЛИ), қўштавақа(ли) Табақаси иккита бўлган, икки табақали. *Қўштабақа эшик.* ▬ *Бу қўрғоннинг.. катта қўштавақа дарвозасида посбон бўлиб «Олапар» деган катта кўппак ит яшар экан.* С. Абдулла, Ўртоқ Холназаров.

ҚЎШТИРМОҚ Қўшмоқ I фл. орт. н. *Тонг отмай қўш қўштирмоқ.* ▬ *Қоражонни қишлоқдан чиқариб, элга қўштирмай, Олатоғдан жой бериб қўйди.* «Алпомиш». *Оқсоқол тонг қоронғисида извош қўштириб, куёвнинг олдига борди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҚЎШТИРНОҚ Кўчирма гап, иқтибос, сарлавҳа, шунингдек, кўчма маънода ишлатилган сўз ёки гапни ёзувда ажратиб кўрсатиш учун ишлатиладиган чегараловчи тиниш белгиси (« » ёки “ ” белгиси). *Қўштирноқ очмоқ. Қўштирноқ ёпмоқ. Сўз ёки гапни қўштирноқ ичига олмоқ.* ▬ *Кўчирма гап ёки цитатани, муаллиф гапидан ажратиш учун, қўштирноқ қўйилади.* «Ўзбек тили» дарслиги.

ҚЎШТИҒ 1 Икки тиғли, дудама. *Қўштиғ пичоқ.*

2 *шв.* Қўшоғиз, қўшотар. *Қани энди, қўштиғ милтиғинг бўлса-ю, сочма ўқ билан бир отишда ҳаммасини уриб олсанг!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҚЎШТОР *мус.* Икки торли.

ҚЎШТУЁҚЛИЛАР Қорамоллар, қўйлар каби туёқлари бир жуфт бўлган сутэмизувчиларнинг бир туркуми.

ҚЎШУВ 1 Қўшмоқ фл. ҳар. н. *Ҳайдар ота.. бирининг қайғуси иккинчисининг қайғусига қайғу қўшувига кўзи етиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 *мат.* Қўшиш амали. *Тузук, алифбени билиб олибсиз. Ҳисобдан ҳам қўшув, олувларни ўрганибсиз. Тузук!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҚЎШХОНА 1 Қароллар, хизматкорлар, қўшчилар учун белгиланган тураржой. *Бойнинг ерининг юқорисида, баландгина бир парча саҳн хизматкор ва мардикорларнинг қўшхонаси эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сафарда қўниш, истиқомат қилиш учун белгиланган жой, сарой. *Мен оғирсингансимон ўйланиб олдим ва: -Хўп, қўшхонам узоқ бўлса ҳам, бир хабар олиб ўтарман, — дедим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўшхоналарга бор-да, меҳмонларга хабар бер. Олиш бошланди, де.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҚЎШЧАНОҚ Бир-бирига қўшилган, ёпишган иккита чаноқ. *Чиноқчи агар терим пайтида барака рамзи бўлган «қўшчаноқ» топиб олса, хўжайин уни совға билан сийлаган.* «Фан ва турмуш».

ҚЎШЧИ 1 Қўш ҳайдовчи киши. *Ер ҳайдашга чиққан қўшчиларнинг куйлаган овозлари эшитилиб, мени ўз томонига тортди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 *тар.* Феодал-бойларга ёлланиб ишловчи камбағал деҳқон; қарол, чоракор, батрак. *Минг қўшчига бир бошчи.* Мақол. ▬ *Ўзининг ер ҳайдаш анжомларига, ҳўкиз каби иш ҳайвонларига эга бўлиб, ҳақини келишган ҳолда, заминдорларнинг ерини ҳайдайдиганлар қўшчилар деб номланган.* «Фан ва турмуш».

3 *тар.* Батрак, қарол, чоракор ва камбағал деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш учун тузилган, 1919-1930 йилларда фаолият кўрсатган касаба ташкилоти. *Стол ёнида комиссия аъзолари, «қўшчи» фаоллари ўтирдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚЎШЧИ-ҚЎЛОНЧИ *айн.* **қўшчи 2**. *Мулла Омонбой, шаҳардаги қўшчи-қўлончи, сайис, мирохур, бою боёнлар, ошна-оғайниларингизга хат-патингиз йўқми?* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Ана шу давлатларнинг ҳаммасини қўшчи-қўлончилар Миржалол қуруқнинг.. катта қўрасига ташиб келтирар эканлар.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ҚЎШҚАВАТ(ЛИ) Устма-уст икки қават қилиб қурилган, икки қаватли. *Қўшқават кўркам бинолар тагидаги асфальт йўлакларда йўловчилар, кўчада машиналар турнақатор.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ҚЎШҚАНОТ(ЛИ) 1 Иккита қаноти бўлган, икки қанотли. *Қўшқанотли самолёт.* ▬ *Бу хат менга ҳаёт берди, Бағишлади қўшқанот. Чапак чалиб табриклади Гўё мени коинот.* Шуҳрат.

2 Икки тавақали, қўштавақали. *Ўз умрида биринчи марта Очилди қўшқанот дарвоза.* Э. Раҳим. *Енгил машина сиғадиган қўшқанотли эшикдан почтальон кириб келди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ҚЎШҚУЛОҚ 1 Икки томонида қулоғи бўлган кувачасимон сопол идиш, хурмача. *Саид Жалолхон раиснинг олдидаги қатиқни қўшқулоғи билан олиб чиқиб, ариққа ташлади.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Бир қўшқулоқ қатиқ фалон пул.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Эндигина униб чиққан, икки уруғбаргдангина иборат бўлган ниҳол. *Чигит экиб, ғўзаларимиз қўшқулоқ бўлгунча не-не машаққатларни бошимиздан кечирмадик!* С. Абдуқаҳҳор, Қувондиқ. *Қиш ўтди, баҳорда қарасам мундоқ, Остидан ниш уриб чиқибди гиёҳ, Гиёҳки, ингичка, нимжон, қўшқулоқ, -Ажабо! — дедим-у, термулдим узоқ.* Шуҳрат.

ҚЎШ-ҚЎШ *айн.* **қўша-қўша.** *[Ойшабону] Ёқут кўзли қўш-қўш узуклар порлаётган семиз бармоқлари билан ғўлага ўхшаш тиззаларини силар экан, қўшиб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Сен тенги келинчакларнинг уйига кирсанг, оғзинг очилиб қолади: қўш-қўш тилла соатлар, тилла билагузуклар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҚЎЯРДА-ҚЎЙМАЙ *рвш.* Истагига, хоҳишига қарамасдан, мажбур қилиб, зўрлаб, қистаб, қўймай. *Кечга томон [Отамирза] рафиқасини қўярда-қўймай кийинтирди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин. *Ойим қўярда-қўймай қўлимга тутқазган тугунчани ўйнаб, секин хиргойи қилиб бораман.* Ш. Отамуродов, Кўнгил.

ҚЎҚОНАРАВА Иккита катта ғилдиракли арава.

ҚЎҚОНГУЛ Мураккабгулдошлар оиласига мансуб, икки туркум ўсимликларнинг умумий номи. *Уларнинг уйидаги гулларнингку сон-саноғи йўқ: гулбеор, гулраъно, гулсапсар, гулҳамишабаҳор, қўқонгул, қалампиргул.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҚЎҚОНЖЎХОРИ Жўхорининг попуксимон бошоқли нави, оқ жўхори. *Қўқонжўхори экмоқ. Қўқонжўхори гўжаси.* ▬ *Атрофида ҳеч ким йўқ; қўқонжўхори баргларининг шамолда шилдирашидан бошқа ҳеч қандай сас йўқ эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҚЎҚҚАЙМОҚ 1 *с.т.* Тиккайиб, дўмпайиб хунук кўриниб турмоқ; беўхшов ўтирмоқ ёки жойлашмоқ, қўнқаймоқ. *Жўраларнинг уйи тепаликда, якка ўзи қўққайиб туради.* Ф. Мусажонов, Дарадаги қишлоқда. *Унда-мунда қўққайган эски.. тўнкалар ҳам.. ёқимли, жозибадор туюларди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тик ғўдайиб, қаққайиб турмоқ, қаққаймоқ. *Тўқсонов ўз орқасида қўққайиб, ўзини кўрсатиш учун аллақачондан бери буйруқ кутиб турган Дадабойга қичқирди: -Олинг! Нимага қараб турибсиз!* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *айн.* **қўнқаймоқ.**

ҚЎҚҚАЙТИРМОҚ Қўққаймоқ фл. орт. н. *Зулукхоннинг шаҳарда қўққайтирган иморати Мирҳосилнинг ножўя ҳаракатларига жонли дилилдай, мана мен, деб турибди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ҚЎҚҚИСДАН *рвш.* Ҳеч кутилмаганда; бехосдан, тўсатдан. *Қўққисдан ҳужум қилмоқ.* ▬ *Эшикнинг қўққисдан очилиши.. Вали акани чўчитиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўққисдан берилган бу савол олдида Қодирбек нима деярини билмай, тикилганча қолди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ҚЎҒА Қўғадошларга мансуб кўп йиллик илдизпояли ўсимлик (пояси тик ўсади, цилиндрсимон йўғон, бўйи 2-3 метр); қовға. *Ҳужрага кириб, гўшт, ёғ, қўғага боғланган тўртта умрбоқи қовун.. ҳужрада қалашиб ётганини кўрди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ҚЎҒАЗОР Нуқул қўға ўсиб ётган, қўға босган жой. *Қўйлар қўғазорда, қўй ейдиган янтоқ Бақақуруллоқда — бечоралар баъзан оч қолар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҚЎҒАЙ *айн.* **қўға**. *Сават тўқимоққа ярагай қўғай.* Ғ. Ғулом. *Мўйтанкўлда ғовлаб ўсган.. қўғай худди ёв босиб келаётганидай шовуллайди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Қумтепанинг адоғида мўъжаз кўл бўлиб, усти кўм-кўк қўғай ва қамишлар билан қопланган.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҚЎҒИРМОЧ Қозонда қовурилган буғдой. *Наврўз кирарда.. кўп жойда ўрик қайнатилади. Қўғирмоч қовурилади.* М. Алавия, Наврўз — баҳор байрами. *Тоҳир ойисининг қўғирмоч ушлаган ҳовучини қисиб: -Менга унаштирилган ким? Ростини айтиб бер, — дебди.* «Эртаклар».

ҚЎҒИРМОҚ *шв.* Қовурмоқ.

ҚЎҒИРЧОҚ 1 Одамга ёки бошқа бирор нарсага ўхшатиб ясалган болалар ўйинчоғи. *Резинка қўғирчоқ. Қўғирчоқ театри. Қўғирчоқ ўйнамоқ.* ▬ *Ўн-ўн бир ёшларга кирган иккинчи қиз қизил қаламини оғзида ҳўллаб, қўлидаги қўғирчоққа қош-кўз ясар ва.. ашула айтарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 *кўчма* Бошқаларнинг амри, истаги билан иш тутувчи, мустақил иш юргизолмайдиган киши, ҳоким; ҳукумат ва ш.к. *Бировнинг қўлида қўғирчоқ бўлмоқ. Қўғирчоқ ҳукумат.* ▬ *Ҳа, сизлар учун раис нима, қўғирчоқми?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҚЎҒИРЧОҚБОЗ Қўғирчоқларни ўйнатиб, томоша кўрсатувчи артист; қўғирчоқ театрининг артисти. *Созандалар дастаси катта бўлмай, бир чирмандачи, бир ноғорачи, бир сурнайчи, бир раққос ва битта қўғирчоқбоздан иборат эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҚЎҒИРЧОҚБОЗЛИК 1 Қўғирчоқбоз иши, касби.

2 Қўғирчоқларни ўйнатиб, томоша кўрсатиш; қўғирчоқ театри. *Илгари ҳайит кунлари Кўмирсаройда қўғирчоқбозлик, «чодирхаёл» бўлар эди. Энди номини бошқа қилишибди-да, мазмуни!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҚЎҒИРЧОҚДАЙ, -дек Жуда бежирим, келишган, чиройли, гўзал. *Менга қара, ўғлим, сенга айтсам, аянг ўша пайтда қўғирчоқдек жувон эди.* А. Муҳиддин, Ҳадя. *Маҳалламизда уч-тўртта участка бор. Кўрган одамнинг кўзи ўйнайди. Оқлаб, кўклаб, қўғирчоқдек қилиб қўйилган.* Т. Алимов, Одамсиз уйлар.



ҒАВВОС [*а.* غوّاص – сув тагига тушувчи, тез-тез шўнғувчи] **1** Сувга шўнғувчи, сув остида дур изловчи шахс. *Етар мақсадга меҳнат бирла меҳнаткаш қилиб журъат. Топар ғаввос бўлиб дарёи меҳнатдан дури роҳат.* Ҳабибий.

2 Сув ўтказмайдиган махсус кийимда сув ости ишларини бажарувчи шахс. *Кеманинг юкини ғаввослар неча асрлардан кейин – яқиндагина сув юзасига чиқардилар.* Ҳ. Каримов, Санъат сеҳри.

ҒАВҒО [*ф.* غوغا – шовқин-сурон, бақир-чақир, жанжал, муштлашиш] **1** Бетартиб овозлар, қий-чув, шовқин. *Бир кеча афандининг қулоғига кўчадан ғавғо эшитилди.* «Латифалар». *Мавлоно Фазлиддин шовқин келаётган томонга қулоқ солиб туриб қўрқиб кетди. Бу галги ғавғо шаҳар ичидан кўтарилмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *айн.* **ғалва 1.** *Бўлажак ғавғоларни олдиндан пайқайдиган бўлиб қолган Шуҳрат, укасига боши билан имо қилиб, балконга чиқа бошлади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Дадам ювош одам бўлганидан бундай ғавғолардан ҳар вақт қочар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бунақанги ғавғолар жонига теккан қўшни хотин қўлини пахса қилиб, Муллажоннинг олдига келди.* С. Аҳмад, Муллажон.

3 *айн.* **ғалва 2.** *Ҳаммада бир ташвиш бор, ота! Тирикчилик ғавғоси ёлғиз сизда эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир рўзғорга ўша рўзғорнинг ўз ғавғоси ҳам етади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҒАВҒОЛИ 1 *айн.* **ғалвали 1.** *Ғавғоли иш. Ғавғоли масала.*

2 *айн.* **ғалвали 2.** *Ғавғоли жой. Ғавғоли оила.*

ҒАВҒОСИЗ *айн.* **ғалвасиз 1, 2.** *Ғавғосиз иш. Савдо ғавғосиз бўлмас, полвон гавдасиз бўлмас.* Мақол. *Оз ошим, ғавғосиз бошим.* Мақол.

ҒАВҒОЧИ *айн.* **ғалвачи**. *Ғавғочи одам.*

ҒАДАБ [*а.* غضب – қаҳр, жаҳл, зарда; норозилик] *кам қўлл.* Коювчи, танбеҳли муомала. *Бу эркакчароқ ғадабга Ойхон тескари қараб ўтирганча илжайиб қўйди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

Ғадабга олмоқ *айн.* **ғадабламоқ**. *Бошда юмшоқ супурги бўлган бой, акангнинг аҳволини бир оғиз сўрамай, ғадабга олишини кўрдингми?* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҒАДАБЛАМОҚ *кам қўлл.* Жаҳл, пўписа билан койимоқ, танбеҳ бермоқ. *Ҳамиша мени ғадаблар эдингиз, энди қалайсиз, Халчахон?* К. Яшин, Ҳамза. *Тоживой тажанг.. хотинини ишлатмас экан. Аммо, ишламайсан, топганимни туя қиласан, деб ғадаблайвераркан.* И. Раҳим, Ҳилола.

ҒАДАБЛОВ *кам қўлл.* Танбеҳ. *У дадасининг муомаласи ўзгарганини кўриб севинди ва ҳозиргина бўлиб ўтган ғадабловни унутиб, яна қувноқлашди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ҒАДАНГ [*ф.* غدنگ – жоҳил, нодон; аблаҳ; ландавур] Юқори кўтарилган, юқори. *Гажакдор думларини ғаданг кўтариб ўрмалаган чаёнлар, калтакесакларнинг саноғи йўқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒАДДОР [*а.* غدّار – алдамчи, хиёнатчи; бевафо, мунофиқ] *кт.* **1** Хоин, золим. *Билардикки, ёвуз, ғаддор, беномус фашизм ўла-*

жак! Миртемир. *Жасур сафлар аро от суриб мағрур, Энг ғаддор ёвларни этгансиз ғорат.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 Меҳр-шафқатсиз, бераҳм. *Наим амаки ғаддорроқ-ку, лекин отамдан ҳайиқарди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. *Қотилларнинг қўлларисимон Совуқ, ғаддор — мисли ялмоғиз.* Х. Даврон, Қақнус. *Шу боис унга нозишва қилган, охири, ғаддорнинг кўнглини олган.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ҒАДДОРЛИК Ғаддорга хос хусусият, иш, хатти-ҳаракат; хоинлик, шафқатсизлик. *Шеър хусусида айбланишим.. бутунлай ғаддорлик ва жаҳолат эмасми?* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳаётда ҳали ғаддорлигу мақсад йўлида учрайдиган пасту баландликларга дуч келмаган қиз борлиғи билан Умидга интиларди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

ҒАДИР [*а.* غدير — кўлмак; ҳовуз, ариқча] *кам қўлл. айн.* **ғўдир, ғадир-будур.** *[Тешабой] Ёмғир ўтмайдиган брезент куртка, иссиқ қулоқчин кийиб олибди. Қўллари ғадир, томирлари ўйнаб чиққан.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ҒАДИР-БУДУР Сирти силлиқ эмас, нотекис; ғудда ёки қабарчиқлар билан қопланган; ғўдир. *Ғадир-будур қўл.* ▬ *Мамат бир дам ўзини йўқотиб қўйди. Юзидаги хижолат жаҳл билан алмашинди, ғадир-будур башарасидаги туклар тикка бўлиб кетди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Шукуржон тошнинг ёнига тиз чўкиб, унинг қуёшда чўғдек қизиган ғадир-будур сатҳига лабини босди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Ёнғоқнинг танаси қучоққа сиғмас даражада. Ғадир-будур.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ҒАЖИЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **ғажимоқ.** *Унинг.. қони қайнаб, кўзига чалинган кимсани ғажилаб ташлагиси келарди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҒАЖИМОҚ 1 Суяк, қаттиқ нон ва ш.к. ни кемириб емоқ; мужимоқ (кўпинча ит, мушук ва йиртқич ҳайвонлар ҳақида; инсонга нисбатан эса салбий муносабат билан қўлланади). *Бир олапар эллик қадамча нарида алланарсани ғажир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Волосов Аллонбийнинг оқ ўтовида.. қўйнинг қовурғасини ғажир экан, Эримбетни етимчадек қақшатмоқда эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Элмурод онасининг сўзи билан сабзи ғажиб турган қизчага қаради..* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тишлаб, чайнаб қаттиқ жароҳат етказмоқ. *Оёғини ит ғажиб ташлабди.* ▬ *Отлар ҳалок бўлди, эшакларни йиртқичлар тунда ғажиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

3 *кўчма* Тилка-пора қилиб юбормоқ, абжағини чиқармоқ: абгор қилмоқ. *Одамлар ажратмаганда, бу хотин мулла Норқўзини ғажиб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Кейин Зуннуновга худо беради. У сени ғажиб ташлашга тайёр.* И. Раҳим, Ихлос.

4 *кўчма* Қаттиқ зарб, сиқиш ва ш.к. йўл билан шикастламоқ, эзмоқ, мажақламоқ. *Машинанинг эшиги қўлимни ғажиди.* ▬ *Нима, буни машина майиб қилибдими ё у ербу ерини ғажиб кетибдимики, бахтсиз ҳодиса деса..* К. Яшин, Ҳамза.

Ит ғажиган суякдай (*ёки* **ошиқдай**) Жуда озғин, нимжон ва хунук. *Сен қўлимни ушлашга зор бўлиб юрган йигитларнинг битта ҳаром тукига арзимайсан! Нимангга ишонасан?! Чиройинггами?! Ит ғажиб ташлаган ошиқдайсан.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҒАЖИР I Ўлимтиклар билан овқатланадиган, бургут каби катта йиртқич қуш. *Ширинни боғлади тоғнинг тошига, Ғажир эга бўлар, деди лошига.* «Ширин ва Шакар». *Ҳар ўликка қузғун тушиб, Ғажир қўниб тортқилашиб, Тортишди майдон ичинда.* «Равшан».

ҒАЖИР II *тақл. с.* Баъзи нарсаларнинг ишқаланишидан чиқадиган, ғашга тегадиган товушни билдиради. *Аравалар ғажир-ғажири қулоқни батанг қилади.* «Шарқ юлдузи».

Ғажир-ғажир қилмоқ Шундай товуш чиқармоқ (такрор ҳолда).

ҒАЖИРЛАМОҚ *айн.* **ғажир-ғажир қилмоқ** *қ.* **ғажир** II.

ҒАЖИР-ҒУЖУР *тақл. с.* «Ғажир» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Арава шағал устидан ғижир-ғужур юриб кетди.*

ҒАЗА *с. т. қ.* **ғоза**. *У тоғда ўсган саҳройи момо бўлса, сенинг ўсма-ғазангни не билсин?!* «Гулихиромон».

ҒАЗАБ [*а.* غضب — қаҳр, жаҳл, зарда; норозилик] Кучли даражада аччиқланиш ҳисси; қаҳр, жаҳл. *Ғазаб қилмоқ. Ғазаб билан гапирмоқ. Ғазабдан тушмоқ.* ▬ *Кечқурун жамоат жам бўлганда, ғазабдан кўкариб кетган кампир етти пуштидан қолган уч бойлам васиқани ўртага кўтариб урди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Одамлар Бу-*

виражабни ушлашди. Унинг кўзларига ҳамон ёш келмас.. ғазабдан ҳансираганча, қалт-қалт титраб ўтирарди. «Ёшлик».

Ғазаб қилмоқ Бирор ишни бажаришга мажбурлаш билан ёки бошқа тарзда жазоламоқ. *Отаси уч ўғлига ғазаб қилибди: -Топсаларинг — топдиларинг, бўлмаса, бошларинг ўлимда, — дебди.* «Зумрад ва Қиммат». *Шоҳимиз ғазаб қилдилар, мен ҳам банди бўлиб келдим.* «Нурали». **Ғазабига олмоқ** *айн.* **ғазаб қилмоқ.** *Хон бир бегуноҳ одамни ғазабига олиб, тошбўрон қилдирибди, «тош отмаган одам қолмасин», деб ўзи тепасида турибди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улар бир тўда солдат билан беҳол ётган Пўлат отанинг тепасига келишди. Уни ғазабга олишди, аврашди — натижа чиқмади.* К. Яшин, Ҳамза. **Худонинг ғазаби** *с. т.* Ўтакетган жоҳил, тинчлик (кун) бермайдиган. *Бу бола — худонинг ғазаби.*

ҒАЗАБДОР [*а.* + *ф.* غضبدار — ғазабли, ғазаби бор] *фольк. айн.* **ғазабкор**. *Отангнинг элига бора кўрмагин, Бизларни ўлдирар отанг ғазабдор.* «Эрали ва Шерали».

ҒАЗАБКОР [*а.* + *ф.* غضبكار — ғазаб қилувчи] *кт.* Нафрати, ғазаби тўлиб-тошган, ғазабланган, ғазабли. *Халқ ғамгин, ғазабкор, юраклари эзилган ҳолда тарқалади.* Ойбек, Болалик. *Олапар ҳурди, тегсанг, тишлайман, деган оҳангда ғазабкор акиллади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ҒАЗАБЛАМОҚ Ғазаб билан гапирмоқ, ғазаб қилмоқ, дўқ қилмоқ. *Жаллодлар ўғлонларни.. подшонинг назарига тўғри қилиб: -Подшомизнинг ҳақиға дуо қил! — деб болаларни ғазаблади.* «Эрали ва Шерали».

ҒАЗАБЛАНМОҚ Ғазаби келмоқ, қаттиқ жаҳли чиқмоқ, ғоят аччиқланмоқ. *Элликбоши ғазабланиб, хотиннинг бошига қўл кўтарди, лекин урмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҒАЗАБЛИ Ғазабга тўлган, ғазаб ифодаловчи. *Мингбоши дарҳол етиб келди-да, аъёнлар олдида тўхтаб, ҳокимнинг ғазабли юзига термилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Навоий ғамгин ва ғазабли подшоҳга дадил қараб, ҳол-аҳвол сўради.* Ойбек, Навоий. *Сўнг эшикка ғазабли назар ташлади-да, зинапояга қараб интилди.* П. Кодиров, Уч илдиз.

ҒАЗАБНОК [*а.* + *ф.* غضبناک — ғазабли, ғазабдор] *кт. айн.* **ғазабли**. *У ғазабнок қиёфада Искандарга ёмон тикилди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Унинг важоҳати қўрқинчли, ғазабнок кўзларида ўт чақнар эди.* М. Хайруллаев, Қўшнилар.

ҒАЗАЛ [*а.* غزل — хотин-қизларнинг кўнглини олиш, эркалаш; лирик шеър] *ад.* Аруз шеърий тизимида уч байтдан ўн тўққиз байтгача бўлган, Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек адабиётидаги лирик шеър (Биринчи байтнинг ҳар икки мисраси, қолган байтларнинг иккинчи мисралари қофиядош бўлиб келади). *Ҳунарим, маълумингиз — ғазаллар ёзиш, Баъзан бир ҳижо қилур қонимга ташна.* Ғ. Ғулом.

ҒАЗАЛГЎЙ [*а.* + *ф.* غزلگوی — ғазал айтувчи] **1** *кт. айн.* **ғазалнавис**. *Ғазалгўй шоир.* ▬ *Тиз чўк, тиз чўкмас тиззам, Букил, букилмас белим, Элдан кетди муаззам Ғазалгўй чўнг муаллим.* З. Обидов.

2 *айн.* **ғазалхон**.

ҒАЗАЛИЁТ [*а.* غزليّات — «ғазал» с. нинг кўпл.] Ғазаллар; ғазал усулида ёзилган шеърлар. *-Сизлар мени диндор одам ўйлаб, ғазалиётимни маъқулламаётибсизлар, деб динсизлигини исботлаш учун атайин қоғозга ўраб келган бир тўғрам колбасани ғарч-ғурч чайнаб кўрсатади.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

ҒАЗАЛНАВИС [*а.* + *ф.* غزلنويس — ғазал ёзувчи] Ғазал ёзувчи. *Ғазалнавис шоир.* ▬ *Алишер Навоий, юқорида мушоҳада қилганимиздек, Саъдий яшаган даврдан олдинги ғазалнавислар шеърларига дахл қилмаган.* «ЎТА».

ҒАЗАЛНАВИСЛИК Ғазал ёзиш иши. *Шарқ адабиётида ғазалнависликнинг такомили ва ривожида Ҳофизнинг тутган мавқеи жуда буюкдир.* В. Абдуллаев, Шарқнинг улкан шоири.

ҒАЗАЛХОН [*а.* + *ф.* غزلخوان — ғазал ўқувчи] **1** Ғазал ўқувчи, ғазал айтувчи; ғазал шинавандаси. *Кечқурун бу ерга ғазалхонлар йиғилади.* ▬ *Атлас боғларингда қизғин, оташин, Ғазалхон дўстларнинг ўтди гурунги.* Зулфия.

2 Ғазал ёзувчи. *Ҳабибий бахтиёр халқимизнинг саодатини куйлаган ғазалхон шоирдир.*

ҒАЗАЛХОНЛИК Ғазал ўқиш, ёддан ғазаллар айтиш. *Ғазалхонлик қилмоқ.* ▬ *Қаён борсанг, бир шоирни кўрасан: ҳар ерда — мачитда, мадрасада, бозорда, ошпазхонада — ғазалхонлик ва ғазал жанжали.* Ойбек, Навоий.

ҒАЗАЛЧИЛИК Шеъриятнинг (назмнинг) ғазал соҳаси. *Ҳозирги замон ғазалчилиги, бир томондан, мавзу доирасини мунтазам кенгайтиришга.. интилмоқда, иккинчи томондан, шаклбозлик ва қайтариқлардан қутулишга уринмоқда.* «ЎТА».

ҒАЗНА *с.т.* Хазина. *-Лочинимга балли, қайта таноб урдириб, ғазнамни тўлдирди, офарин, офарин! — деди хон Шерназарбойга.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҒАЗНАЧИ *с.т.* Хазиначи. *Ғазначига султон юзини бурди, Аваз асбобини келтир деб буюрди.* «Гулихиромон».

ҒАЗНОҚ *с.т.* Қазноқ. *Сарви буви ғазноққа кириб, нон саватини кўрди, аммо нега кирганини ўзи ҳам билмас эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҒАЗО [*а.* غزاء / غزو — ҳужум қилиш, уруш олиб бориш] *айн.* **ғазот**. *Булар ўз давлатлари, ўз мол-мулкларини сақлаш учун ғазога чиқишга мажбур бўладилар.* С. Айний, Қуллар. *Чамбилнинг одамлари, ҳаммаси «Авазхон ғазога боради эмиш», деб эшитиб қолди.* «Хушкелди».

ҒАЗОВОТ [*а.* غزاوات — «ғазо» с. нинг кўпл.: жиҳод] *айн.* **ғазот**. *Руҳонийлар ғазот ҳақида жар солмоқдалар. Йўқ, энди халқни чалғитиш қийин.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Эс-эс биламан, тушдагидек қизиқ воқеалар, ажойиб саргузаштлар чол хотирасидан булоқдай қуйилиб кетади: Фарғона жанглари, Бухоро ғазовоти, Қўқон ва Хоразм талонлари.* Ойбек, Болалик.

ҒАЗОЛ [*а.* غزال — кийик, оҳу] Кийиклар оиласига мансуб чиройли, жуда чопқир ҳайвон; ғизол, оҳу.

ҒАЗОТ [*а.* غزات — «ғозий» с. кўпл.: жиҳод, диний уруш] *эск.* **1** Дин йўлида қилинадиган уруш, жанг; мусулмонларнинг муқаддас уруши. *-Ота, ғазотнинг чин маъноси нима? -Бўтам, дини исломда ғазот — мусулмонларнинг кофирларга қарши жанг қилишидир, — деб тушунтирди чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мусулмонобод йўлида ғазотни бошлаш учун ҳамма нарса тайёр, фақат ярoғ-аслаҳа йўқ.* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 *с. т.* Бошқалар ерига ҳужум қилиш, бостириб кириш; ҳужум, истило. *Урушда яроқиллар кескир пўлотим, Мисрнинг юртига бўлди ғазотим.* «Юсуф ва Аҳмад».

ҒАЙБ [*а.* غيب — йўқлик, ғойиблик: барча кўринмас нарсалар: келажак] **1** *эск. кт.* Йўқлик, ғойиблик. *Кўкданми, ғайбдан садолар келур.* А. Суюн, Олис тонглар.

2 *дин.* Инсон сезги аъзолари билан ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари билан идрок эта олмайдиган ҳодисалар. *Мўмин-мусулмонлар ғайбга имон келтириш билан бошқалардан ажралиб турадилар.* «Ислом энциклопедияси».

Илми ғайб *ёки* **ғайб илми** Сир билиш, кўринмайдиган нарсаларни кўриш. *Илми ғайбни биладурган парихон Намангандa кўпайгандир.* «Муштум». *Оллоҳ сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади.* «Шарқ юлдузи».

ҒАЙИР [*а.* غير — бошқа, ўзга; рашкчи, ҳасадчи] **1** Бировни кўролмайдиган, рашк қиладиган, қизғанадиган; ёмонлик қилишни хоҳлайдиган, ичи қора. *Ғайир одам.* ■ *-Жуда ғайир бола экан-а, — деди у аллакимга.* П. Қодиров, Қадрим. *-Баъзи хотинлар юраги торроқ, ғайирроқ бўлади, — деди раис.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Саидғози юрагига ништар санчилгандек ижирғаниб, кўксини чангаллади: сохта гувоҳликка ўтган. Устидан мағзава тўккан. Ғайир эди-да!* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *айн.* **ғайр**. *Ушбу ерлар бизга ғайир ерлари, Йигитни қўлласин комил пирлари.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ҒАЙИРЛАНМОҚ Бировни кўра олмаслик, ҳасад қилмоқ; рашк қилмоқ. *Унинг шуҳратини кўриб, машҳур ашулачи ғайирланди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ҒАЙИРЛИК Ғайир шахсга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Олахўжа ўтирган ўрнида тебранди ва ғайирликни ифодалайдиган бир тарзда кулумсираб, қассобга қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Назаров, ўзини қанча яқин тутса, ёрдами тегса, Саидғозининг ғайирлиги ўшанчалик кучаярди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҒАЙНОЛИ [*ф.* غينالو] *шв.* Олхўри. *Оқ ўрик, шотут, шафтоли ва ғайнолининг сап-сариқ япроқлари ҳовли бетини кўмиб ётибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Олма қатор орасида шафтоли, ғайноли сингари мева берадиган дарахт ўтқазилади.* Газетадан.

ҒАЙР [*а.* غير — ўзга, бошқа, бегона; зид, акс; эмас] *эск. кт.* Ўзга, бегона одам; ёт. *Ҳажр ила тинмай кўзимдан кўрмасам ашким келур. Ғайр ила кўрсам мабодо, худ-бахуд рашким келур.* Муқимий.

ҒАЙРАТ [*а.* غيرت – рашк, қизғаниш; саъй-ҳаракат, иштиёқ; жўшқинлик] **1** Иш-ҳаракатга бўлган кучли интилиш, берилиш ҳисси; иштиёқ. *Сиз, муҳтарам устоднинг меҳрибончиликларингиз бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Унинг ғайратига иш ёки ўқишнинг ўзи камлик қилаётгандек туюлади.* Т. Ашуров, Оқ от. *-Ухлаб қолди.. бугун жуда тер тўкди. -Ёшда, ғайратига чидолмай, бошда ўзини уринтириб қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ғайрат камарини боғламоқ Бирор ишга иштиёқ билан киришмоқ, астойдил киришмоқ. *Буни эшитган ишчилар ғайрат камарини белга боғлайдилар.* Н. Мақсудий, Юксалиш. **Ғайрат қилмоқ** Ғайрат билан иш тутмоқ, ҳаракат қилмоқ. *..Жуда ғайрат қилганимизда ҳам, икки ярим танобдан ортиқ ерни чопиб тоза қилолмаймиз.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Улар асрлар тасаввур қилган манзарани чинакамига барпо қилиш ниятида ҳаммадан кўп тер тўкар, ҳаммадан кўра кўпроқ ғайрат қилардилар.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ғайрат (эркаклар исми).

ҒАЙРАТЛАНМОҚ Ғайратга кирмоқ, ғайрати қўзғамоқ. *Қасам руҳи билан ғайратланиб келган йигит бу ердаги аҳволни кўриб, ўзини йўқотиб қўйди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ҒАЙРАТЛИ Яхши, кучли ғайратга эга; серғайрат, тиришқоқ. *У пайтларда ёш, бақувват, ғайратли, қизиққон йигит эди.* С. Зуннунова, Олов. *Заргаров муҳим масалаларни қўзғаб, катта иш бошлади, ғайратли одам.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ҒАЙРАТСИЗ Ғайрати йўқ; сусткаш. *Ғайратсиз бола.*

ҒАЙРАТЧАН Ғайратли, серғайрат. *Ғайратчан Халил ака ҳамма ишни ҳам шошилинч қиларди..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҒАЙРИ I [*а.* غير – бошқа, ўзга] *кўм., кт. кам қўлл.* (*ч.к. билан*). Бошқа, ўзга; ташқари. *Ҳарчанд ичкари ва ташқари излаб, ушбу хатдан ғайри асар топмадик.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҒАЙРИ II *кт.* **1** Нотаниш, ёт, бегона. *Мен найлайин, ота, бағри қораман, Кўз кўрмаган ғайри юртга бораман.* «Равшан». *Маҳдум уламо, амалдор ва ғайриларни тўрт-беш соатдан бери қабул қила-қила, мияси суюлган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бошқача, ўзгача. *-Қайси районга? – ҳаяжонланиб сўради Қудрат, ўзига ярашмаган ғайри бир овоз билан.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ҒАЙРИ- [*а.* غير – бошқа, ўзга, -дан ташқари, эмас, -сиз] Арабча изофий бирикмаларда инкор ифодаловчи олд қўшимча вазифасини бажариб, ўзи қўшилган сўз маъносининг зиддини билдирувчи сўзлар (асосан сифатлар) ясаш учун хизмат қилади, мас., *ғайриилмий, ғайритабиий, ғайриқонуний* каби.

ҒАЙРИАДАБИЙ [ғайри.. + адабий] *кт.* Адабий эмас, адабий тилда ишлатилмайдиган. *Ғайриадабий ибора.*

ҒАЙРИАХЛОҚИЙ [ғайри.. + ахлоқий] *кт.* Ахлоқ меъёрларига зид, ахлоқий бўлмаган. *Қиз бола билан ғайриахлоқий муносабат учун, биласизми, қанчага кесадилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҒАЙРИБАДИИЙ [ғайри.. + бадиий] *кт.* Бадиий бўлмаган, бадиийликдан йироқ, бадиийлик талабларига жавоб бера олмайдиган, *Ғайрибадиий асар.*

ҒАЙРИДИН [ғайри.. + дин] *кт.* Бошқа динга эътиқод қилувчи, бошқа диндаги (киши). *Яхши, оқпошшо ғайридин эди, кофир мусулмонга бахт бермайди, деярди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Дардлиман, дардимни кимга ёраман? Айрилиқ савдога бағри пораман, Қўл кўтариб, дуо қилинг, канизлар, Энди мен ғайридин бўлиб бораман.* «Алпомиш».

ҒАЙРИДИНИЙ [ғайри.. + диний] **1** Бирор динга зид; динга қарши. *Ғайридиний гаплар.*

2 *айн.* **ғайридин**. *Темирчи Абдукарим қўлга туширилди. Халойиқ ичида адоват қўзғагани, ғайридинийлар ҳақида ёлғон-яшиқ иғво юргизгани учун.. дарраланиб, умрбод зиндонга ташланди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҒАЙРИЖИНС [ғайри.. + жинс] *эск. кт.* Жинси бошқа, бошқа жинсдаги; уруғи бошқа, қабиласи бошқа. *Ғайрижинс одам.*

ҒАЙРИЖИНСИЙ [ғайри.. + жинсий] *биол.* Жинсий жиҳатдан бошқача, ўзгача. *Ғайрижинсий урчиш.*

ҒАЙРИИЛМИЙ [ғайри.. + илмий] Илмий бўлмаган, илм-фанга хилоф. *Ғайриилмий назария. Ғайриилмий мулоҳаза.*

ҒАЙРИИНСОНИЙ [ғайри.. + инсоний] *кт.* Инсоний хулқ, фазилат, одоб ва ш.к. ларга зид, инсоний бўлмаган. *Ғайриинсоний қирғин.*

ҒАЙРИИХТИЁРИЙ [ғайри.. + ихтиёрий] Киши ихтиёри билан бўлмаган, ихтиёрсизлик билан қилинган. *Ғайриихтиёрий кулги. Ғайриихтиёрий равишда оҳ тортмоқ.* ▬ *-Эҳтимол, — деди Отабек ва нима учундир ғайриихтиёрий бир тебранди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАЙРИМАШРУ [ғайри.. + машру] *эск. кт. айн.* **ғайришаръий**. *Ғайримашру талоқ хати текканига олти ойларча фурсат ўтиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАЙРИРАСМИЙ [ғайри.. + расмий] Расмий бўлмаган, қонуний йўл билан қилинмаган. *Ғайрирасмий хат. Ғайрирасмий битишув.* ▬ *Анчагина шу ҳолатда қатим тортгандан сўнг Зайнаб секингина қаршисидаги ғайрирасмий эрга ёварча қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАЙРИТАБИИЙ [ғайри.. + табиий] **1** Табиат қонунларига бўйсунмайдиган, сабабини билиб бўлмайдиган, одатдан ташқари. *Ғайритабиий ҳодиса.* ▬ *Ота-боболаримиз исириқни аллақандай ғайритабиий бир кучга эга деб билиб, «дардга даво, бало-қазога қалқон», деб атаганлар.* «Фан ва турмуш».

2 Сунъий, ясама; ғалати. *Ғайритабиий кулги.* ▬ *-Синдими-а? — Шербек ачингандек бўлиб сўради. -Синса, янги бўлади, — Нигора ғайритабиий жилмайди ва тез-тез юриб, палатадан чиқиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҒАЙРИШАРЪИЙ [ғайри.. + шаръий] *дин.* Шариатга хилоф, шариат қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган. *Ғайришаръий иш. Ғайришаръий фатво.*

ҒАЙРИШУУРИЙ [ғайри.. + шуурий] Онгсиз тарздаги, ихтиёрдан ташқари; ўзи билмаган ҳолда, ўйламасдан, беихтиёр. *Шофёр ғайришуурий бир ҳаракат билан руль чамбарагини у ёқдан бу ёққа айлантирди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Йўлчининг кўз олди қорайди, руҳан чуқур эзилди, ғайришуурий равишда отни ҳайдаб кетаркан, бир нима «қарс» этиб, от бир томонга кескин бурилиб тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҒАЙРИҚОНУНИЙ [ғайри.. + қонуний] Қонунга хилоф, қонунга сиғмайдиган, қонунга зид. *Ғайриқонуний ишлар. Ғайриқонуний жазо. Ғайриқонуний равишда ишдан бўшатмоқ.* ▬ *Зарарнинг ўрнини қоплаш учун ғайриқонуний ишга қўл уриш ҳоллари юз берди.* «Муштум».

ҒАЛАБА [*а.* غلبه — зафар, муваффақият; тўполон, шовқин] **1** Жанг ёки беллашув (кураш)да қозонилган (эришилган) муваффақият; зафар. *Ҳирот дарвозалари тепасида карнаю сурнай, ноғоралар авж қилди; султон Шоҳрух мирзо лашкари ғалаба билан қайтиб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Уруш ҳам тугар, ғалаба дамлари ҳам етиб келар..* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Баҳсларда тошкентлик ёш чарм кўнқоп усталари энг кўп ғалабага эришиб, биринчи ўринни қўлга киритдилар.* Газетадан.

2 Иш-фаолият, мақсад йўлида эришилган муваффақият, яхши натижа; ютуқ. *Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев халқ ҳашарида қатнашган барча қурувчиларни катта ғалаба билан табриклади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Баҳор бизни яна янги меҳнатга, ижодга, янги кураш ва янги ғалабага чорламоқда.* «Саодат».

Ғалаба қилмоқ 1) ғалабага эришмоқ. *Фашизм устидан ғалаба қилмоқ;* 2) баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўз англатган нарсанинг устун келиши, «енгиши» маъносини билдиради. *Авазхонни уйқу ғалаба қилди. Қўлидаги коса қарс этиб ерга тушди..* «Гулихиромон». *Рашк ғалаба қилиб, ўртада жанжал кўтарилмасин, дейди..* К. Яшин, Ҳамза. *Ишқ ғалаба қилиб, бағри туташди..* «Тоҳир ва Зуҳра».

ҒАЛАДОН [*а.* + *ф.* غلّه‌دان — ғалла идиши, дон сақланадиган жой] **1** Омборда ғалла (дон, ун) сақлаш учун атрофи ўралган жой. *Тўхта охун ошхона эшигининг чап биқинидаги сўрида, каттакон ғаладон ёнида ўтирарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Стол, жавон ва ш.к. ларнинг нарса солиб қўйиладиган тортмаси, яшиги. *Китоб жавонининг пастки ғаладонига доим энг керакли ҳужжатларини қўярди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Профессор стол ғаладонидан газета олиб, иккала аёлнинг тумшуғи тагида силкитди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Пул ёки майда буюмлар сақлаш учун хизмат қиладиган яшик, қутича. *Ғаладонни ҳисоблаб кўрсам, олти танга бир мири бўпти.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒАЛАДОНЛИ Ғаладони бор, ғаладонга эга. *Катта, ғаладонли столда ўша эски сиёҳдон.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҒАЛАЁН [*а.* غليان — қайнаш; ҳаяжон, кўтарилиш] **1** Норозилик ҳаракати; исён, қўзғолон. *Суворий казаклар кимдандир дарак топиб, ғалаённи бостиргани келишган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Амир амалдорлари халқ ғалаёнидан чўчиб, шоирни киши кўзидан нарида, Қабодиён чўлларида ўлдиришган.* Газетадан. *Бутун Туркистон ўлкасида ғалаёнлар авж олиб кетди. Фарғона водийсида қўзғолон дастлаб Қўқон уездининг Қайнар волостидан бошланди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Табиат, унинг ҳодисалари, шунингдек, киши ички дунёсидаги туғён, жўш уриш. *Бу хазина мазмунида.. табиат ғалаёнларига қарши кураш борлигини ифтихор билан тилга оламиз.* Газетадан. *Бўрон тоғлар устида, водийда ўзининг қудратли ғалаёнини бошлайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Муҳаббатнинг кўзига кўзи тушганда, вужудида уйғонган ҳислар ғалаёнини аниқ эслади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Идрокинг мавжига текканинг замон, У мудроқ руҳингга солгай ғалаён.* А. Орипов, Йиллар армони.

Ғалаён қилмоқ Ғалаён ҳолати юз бермоқ (тўғри ва кўчма маънода). *Халқ ғалаён қилди.* ▬ *Бундай дақиқаларда кишини ўй босади, хотиралар тўлқини ғалаён қилади, хаёл қанотланади.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Мамадали Матмуродовнинг кўнглида «бир деҳқончилик қилсам», деган ният ғалаён қилиб қолди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ҒАЛАЁНЛИ Ғалаён ҳолатли, ғалаён бўлиб турган, давом этаётган ёки этган (тўғри ва кўчма маънода). *Оқтош қишлоғи Бухоронинг энг ғалаёнли жойларидан бири эди.* А. Ҳақназаров, Озодлик шабадаси. *Улар Бобошни юлдузли тунда ғалаёнли ўйлари билан қолдириб, пастак эшикдан эгилиб кириб кетдилар.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ҒАЛАЁНЧИ Ғалаён қилувчи; исёнчи, қўзғолончи. *Ғалаёнчилар ўрдага ҳужум қилди.*

ҒАЛАМИС Кишилар муносабатига, унинг ҳолатига рахна солувчи; ғийбат, фитна юритувчи. *Бировнинг кўкарганини кўра олмайдиган ғаламисга ўхшайди.* С. Нуров, Нарвон. *Бироқ Шайх ака бундай ғаламислардан устун келди, у яна қизғин ижодий фаолиятга шўнғиб кетди.* «Фан ва турмуш». *Бироқ.. республикамизда ҳам, унинг ташқарисида ҳам халқимизни камситувчи, ҳатто, ўзбеклар иши, деб айюҳаннос солувчи ғаламислар ҳам учраб қолди.* «Муштум».

ҒАЛАМИСЛИК Ғаламисга хос иш, хатти-ҳаракат. *Бўдана подшоҳга кўр-кўрона итоат этувчи, ғаламисликни билмайдиган, дали-ғули йигит эди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Нимадан арз қиларди?! Арз эмас, ғаламислик..* Мирмуҳсин, Чўри.

ҒАЛАТ [*а.* غلط — хато, янглиш, нуқсон, саҳв; адашиш] **1** *эск. кт.* Хато, нотўғри, янглиш. *Тўғри бўлса, мен ўйнашиб-куламан. Ғалат бўлса, ўн тўрт кунда келаман.* «Гулихиромон». *Сўзни нусхапарастлик билан, маъногa эътибор бермай, бузиб кўчириш ва ғалат ўқишдан сақланиш лозим.* А. Азизов, Ғазал ва ғазалхон. *Муҳандиснинг хатоси баъзан «гулдаста» билан равоқ орасида сезилиб қоларди. Пойдевор ғалат қўйилганмикин? Устод Қавом хаёлидан бир лаҳзада қанча гаплар ўтди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *айн.* **ғалати**. *Икки букилиб кириб келган мулозимга ғалат овоз билан: -Шаробдорга айт, бир пиёла май келтирсин! — деб буйруқ берди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Чиндан ғалат эрур дунё ишлари, Миянг ғовлаб кетар ўйлаган сари.* А. Орипов, Йиллар армони.

ҒАЛАТИ [*а.* + *ф.* غلطی — хато тарзда, нотўғри] **1** Одатдаги, ҳаммага маълум бўлганидан бошқача; қизиқ. *Сизларда қандай — билмадим-у, аммо биз тарафларда келинтушди жуда ғалати бўлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сиз ғалати одам экансиз-ку, соғлиқни сақлаш керак.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *..хатдан бошини кўтармай: -Ғалати йўтал чиқазибсизми, Тўлаган ака, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Нималиги аниқ бўлмаган, англаб бўлмайдиган; тайинсиз. *Врач чиқиб кетгандан кейин кўнглини ғашликми, ноаниқликми, ишқилиб, ғалати бир туйғу қамраб олди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Жилмаймоқчи бўлган эди, унинг ўрнига юзида ғалати бир ифода пайдо бўлди.* С. Зуннунова, Олов.

3 Ўз табиий ҳолатини ўзгартган, алланечук бир ҳолатли. *Нега ғалатисан, Витя. Рангларинг қув ўчган-а. Ё қорнинг очдими?* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Ногоҳ Собирнинг кўзи уларга тушиб, ғалати бўлиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

4 Жуда қойил; ажойиб. *Ойимчалардан ғалатисини топиб, гашт қиламиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сен тўғрингда бир ғала-*

ти очерк ёзмоқчиман. С. Аҳмад, Уфқ. *Албатта ит боқинг. Ўзим ғалатисини топиб бераман.* С. Аҳмад, Сайланма.

ҒАЛАТСИЗ *эск. кт.* Хатосиз, нуқсонсиз, бехато. *Бир неча кунда қалин бир девонни ғалатсиз ва гўзал битадиган девкор, чидамли хаттотлар орасида обрў.. қозониш оғир эди.* Ойбек, Навоий.

ҒАЛА-ҒОВУР Тартибсиз овозлар, шовқинлар: шов-шув. *Мажлисда яна ғала-ғовур бошланди.* ▬ *Турсуной бўлса ғала-ғовурга ортиқча аҳамият бермади.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Тўйхонадаги ғала-ғовур тиниб, ҳамма ёққа тинчлик чўкди.* С. Нуров, Нарвон.

ҒАЛВА [*а.* غلواء – ҳаддан ошиш, авжга миниш, тийиқсизлик; жўшқинлик] **1** Шовқин-сурон кўтариб қилинган жанжал, тўполон. *Мунча ғалва қиласан?* ▬ *Нақ ғалвалар бўлардики, қўни-қўшни ўртага тушарди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Қутбиддинов эртагаёқ Суярнинг мактабига бориб, катта ғалва кўтармоқчи бўлди.* А. Қаҳҳор, Ўжар.

2 Ташвиш келтирувчи нарса, ҳолат; ташвиш. *Ғалваси кўп бўлади – ҳали унисикасал, ҳали буниси ҳушидан кетган, ўлса, ўлигини саранжомла!* У. Исмоилов, Сайланма. *Бутун ғалваларинг менинг бошимда-ку, яна, нима қилиб ўтирибсиз, дейсан-а!* С. Зуннунова, Олов.

ҒАЛВАЙМОҚ 1 *шв.* Ихчам бўлмасдан, катта жой олмоқ, қаппаймоқ; ноихчам бўлиб турмоқ. *Ғалвайган юк. Ғалвайган тугун. Босилмаган похол ғалвайиб туради.*

2 *кўчма* Кераксиз ҳолда кенгайиб, катта бўлиб кетмоқ. *Мақола фойдасиз тафсилотлар билан ғалвайиб кетибди.*

ҒАЛВАЛИ 1 Ғалва, жанжал бўладиган, бўлиб турадиган; жанжалли. *Ғалвали уй.*

2 Ташвиш келтирадиган, ортиқча (кераксиз) ташвишли. *Бунақа ғалвали ишлар билан бош қотириб юргунча, гаштингни сурсанг-чи, ошна, қишлоққа келдингми – дам ол!* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам – дилим.

ҒАЛВАСИЗ 1 Ғалва, жанжал бўлмайдиган; беғалва, бежанжал. *Ғалвасиз уй.*

2 Ташвишсиз, ғамсиз. *Ғалвасиз иш. Ўз ошим – ғалвасиз бошим.* Мақол.

ҒАЛВАХОНА *с.т. кам қўлл.* Ғалвали, ғалва бўлиб турадиган жой. *Чой ичаман, деб ғалвахонага янглишиб кириб қолибман.* «Муштум».

ҒАЛВАЧИ Ҳар нарсага ғалва, жанжал қилаверадиган, жанжалкаш. *Ғалвачи одам.*

ҒАЛВИР [*ф.* غلبير < *а.* غربال – катта сим элак, ғалвир] Дон эланадиган, сийрак тўрли катта элак. *Жўхорини қўшниларнинг отэшаклари ва қишлоқ болаларининг ёрдамлари билан янчиб, ғалвирда элаб.. олдим.* С. Айний, Эсдаликлар. *Товуқ сомон тўлдирилган ғалвирга бағрини бериб, унга қараб, кўзларини мўлтайтиряпти.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

Ғалвир қилмоқ Ғалвир каби тешик-тешик, илма-тешик ҳолга келтирмоқ. *Салиманинг беихтиёр ураётган чакичи патирни ғалвир қилиб юборганини Меҳринисодан бўлак ҳеч ким пайқамади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Қизнинг қомати дуркун, пошнали туфлиси билан оппоқ ерни тўхтовсиз топтайвериб ғалвир қилиб юборибди.* А. Мухтор, Чинор. **Ғалвирдан ўтказмоқ** 1) ғалвирда эламоқ; 2) синовдан ўтказмоқ. *Шу прогулчилар аввал группаларнинг ғалвиридан ўтказилса, кейин уларнинг кучи етмаганини биз эласак.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Ғалвирни сувдан кўтармоқ** Якуний натижани аниқламоқ. *Мағрурланишга ўрин йўқ. Ҳали ғалвирни сувдан кўтарганда маълум бўлади.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Йил охиригача яна икки ой қолди, яъни ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт келди.* Газетадан. **Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига** *қ.* **сичқон.**

ҒАЛВИРАК 1 Ғалвирга ўхшаш тешик-тешик (*қ.* **ғалвир, ғалвир қилмоқ**). *Кон қидириб, аямадим жон. Ер қатини ғалвирак қилдим.* Ю. Шомансур. *Марварид томчилар тинимсиз оқиб, Харсангни ғалвирак қилганин кўрдим.* Шуҳрат.

2 Пўчоғи юпқа, чақиш осон, бўш; қаттиқ эмас (бодом, ёнғоқ ҳақида). *Ғалвирак бодом.* ▬ *[Умматали] Тажриба учун ўзи турган хонада тувакда ёнғоқ ўстирди. Ўстирганда ҳам, кўчатдан эмас, худди ғалвирак ёнғоқнинг ўзгинасидан ундирди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Ғалвиракнинг ўзи хунук, лекин мағзи соз бўлур, Пистанинг ҳам қаттиғидан очиқ оғзи соз бўлур.* Шукрулло.

ҒАЛВИРЧИ Ғалвир қиладиган киши, ғалвир ясовчи уста.

ҒАЛДИРАМОҚ 1 *айн.* **қалдирамоқ**.

2 *айн.* **ғулдирамоқ**. *Қалтираб ҳам ғалдираб, турлича рафтор этди маст. Бетамизликлар билан фикрини изҳор этди маст.* Васфий. *Товуши ўз жуссасига қараганда ҳам йўғон ва рўза тутиб, узоқ уйқудан турган кишиники сингари ғалдираган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҒАЛИЗ [*а.* غليظ – қалин, семиз, йўғон; зич; қўпол, дағал] Услуб жиҳатидан тўмтоқ; равон эмас, тушунилиши оғир; мужмал. *Ғализ ибора. Ғализ жумла.* ■ *Баъзан ғализ жумла устида Соатлаб бош қотирганим бор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ғализроқ гапирдингиз, хоним. Одам ўзида эмас, кабинетда бўлади.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ҒАЛИЗЛИК Услуб ёки меъёрий жиҳатдан нуқсонли, ғализ ҳолат. *Таниқли шоир П. Мўмин шеърларида ҳам айрим ғализликлар учрайди.* Газетадан.

ҒАЛЛА [*а.* غلّه – даромад; ўрим, ҳосил; дон, ғалла] Бошоқли экинлар ҳосили; дон. *Ғалла тайёрлаш пункти. Ғалла омбори.* ■ *Ғалла ҳамиша энг қимматли озиқ-овқат, барча ноз-неъматларнинг мезони бўлиб келган.* Газетадан. *Ўғлининг машинасига гоҳ сабзавот, гоҳ мева-чева ортиб, шаҳарга тушиб келар, гоҳ ғалла ортиб қайтарди.* С. Зуннунова, Олов.

ҒАЛЛАДОН [*а. + ф.* غلّه‌دان – ғалла идиши, омбори] *айн.* **ғаладон**.

ҒАЛЛАЗОР [*а. + ф.* غلّه‌زار – ғалла экилган дала, майдон] Ғалла (дон) экин(лар)и экилган майдон, ер. *Бир вақтлар сувсизликдан торс-торс ёрилиб кетган даштларда эндиликда ҳадсиз ғаллазорлар шовуллаб ётибди.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ҒАЛЛАКОР [*а. + ф.* غلّه‌کار – ғалла, дон етиштирувчи] **1** Дон етиштириш иши билан шуғулланувчи деҳқон. *Ўктам ғаллакорлар қўшхонасига шом қоронғисида қайтди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 Дон, ғалла етиштириладиган. *Ғаллакор хўжаликлар.* ■ *Рихсивой ака кўп вақтини ғаллакор бригадаларда ўтказади..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ҒАЛЛАКОРЛИК Ғалла экинлар экиб, ғалла етиштириш. *Ғаллакорлик хўжалиги. Ғаллакорлик билан шуғулланмоқ. Ғаллакорликни ривожлантирмоқ.*

ҒАЛЛАСИМОН Ғалла ўсимлиги каби бошоқ чиқарадиган, ғалла ўсимликларига ўхшаган. *Ғалласимон ўтлар.*

ҒАЛЛАХОНА [ғалла + хона] Дон омбори. *Ғаллахонага дон тўлдирмоқ.*

ҒАЛЛАЧИЛИК *айн.* **ғаллакорлик**. *..арпа ва буғдой республикамиз ғаллачилигининг асосий негизини ташкил этади.* Газетадан.

ҒАЛТ: ғалт урмоқ *шв.* Мавж урмоқ, мавжланмоқ. *Ғалт уради атрофи тол мовий ҳовуз..* А. Шер, Қадимги куй. *Ғалт урган себарга, йўнғичқалар белга чиқиб, очилиб гулини тайлар.* «Баҳром ва Гуландом».

ҒАЛТАК [*ф.* غلتک – ғилдирак, чиғир, жўва; ролик; мола] **1** Ип, сим, лента каби узун нарсаларни ўраб жойлаш учун мосланган буюм. *Плёнка ғалтаги. Ғалтакка ўралган ип. Симни ғалтакка ўрамоқ.* ■ *Тўққиз аёл ҳаммаси ишда – оёқлари тепкида, қўллари тасма, ғалтак билан дастакда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 *тех.* Арқон, сим, занжир воситасида оғирликни кўтариш, нарсаларни силжитиш учун хизмат қиладиган қурилма: блок. *Йигитлар нариги соҳилга тортилган икки пўлат арқонни ғалтакка ўраб, кемани нариги соҳилга аста силжитар эдилар.* С. Абдулла, Қувғунда.

3 Электротехника ва радиотехникада махсус сим ўрами.

4 *с.т.* Бирор нарсани текислаш, силлиқлаш ёки деворларга гул солиш учун ишлатиладиган, ўққа ўрнатилган ғалтаксимон мослама. *Ғалтак билан деворларга гул солмоқ. Ойнага ёпиштирилган фоторасмлар сувини ғалтак билан сидирмоқ*

5 Баъзи қурилма, мосламаларнинг айлантириладиган қисми. *Қаттиқ титраётган қўлининг кўрсаткич бармоғини телефон ғалтагининг «о» тешигига тиқиб айлантирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ғалтакдан икки қулоч билет тортиб йиртди-да, отанинг кўкрагига отди.* С. Нуров, Нарвон.

6 *с.т.* Замбилғалтак. *Ер қазиш, замбар кўтариш, оғир ғалтакни суриш Пўлат учун таниш ишлар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Тўрт кун ғалтакда тупроқ ташиб ҳолдан тойгач..* А. Мухтор, Кумуш тола.

Ғалтакка чиқмоқ Йўққа чиқмоқ, йўқ бўлмоқ. *Энди бўлар иш бўлди десанг, юрак ачийди, дастмоя ҳам ғалтакка чиқадиган.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Чойхоначи дастмоянинг ғалтакка чиқиб қолишидан қўрқиб, оппоқ сув дамлаб бераётибди.* «Муштум».

ҒАЛТАКАРАВА 1 Бир ғилдиракли қўл аравача; замбилғалтак. *Бул важдан муҳтарамайн [ота ва она] паришон ва дилгир бўлиб, чорасига киришиб, фақирга ғалтакарава муҳайё қилибдирлар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Уч ёки тўрт ғилдиракли, шифохоналарда беморларни кўчириш учун ишлатиладиган аравача. *Касали енгил беморлар кўмагида Ёлғизжонни авайлаб, ғалтакаравага кўтариб ётқизишди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ҒАЛТАКМОЛА *қ. х.* Судралганда юмалаб, шудгорни текислайдиган, мола ўрнида ишлатиладиган ёғоч ғўла.

ҒАЛЧА I *шв.* Бўйи паст, миқти, пакана (одам ҳақида). *Ўн қадамча нарида, супада ғалча йигит билан қорачадан келган қиз турарди.* А. Ҳасанов, Чироқлар.

ҒАЛЧА II *с.т.* Ўз тилидан бошқа тилга тушунмайдиган; гап-сўзни тезда англаб, уқиб ололмайдиган. *Ғалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади.* Мақол. ▬ *-Ўзинг гап-папга тушунасанми ё ғалчамисан! – деди Аҳмаджоннинг дадаси муаллимга.* С. Кароматов, Ҳижрон. *-Мабодо.. яхши муомалага тушунмайдиган ғалча келиб қолса, белни боғлаб, закон [қонун] сўқишамиз, – деди Ғайбулла.* Ф. Мусажонов, Чиқинди. *Эй, сен ғалча, беватан, Мени қайга элтасан?!* Т. Тўла.

ҒАМ [*а.* غَمّ – қайғу, ҳасрат, ғам-алам; ҳавонинг димлиги, жазирама] **1** Руҳий азоб ҳис-туйғуси, руҳиятдаги шундай ҳолат; қайғу. *Азизхон қачонлардан бери дилини эзиб ётган ғамдан қутулгандек, енгил юриб, катта йўлдан кетмоқда эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *..юрагида шунча ғамни кўтарган бу бели букик чолни.. сўз билан юпатишнинг.. маъносизлигини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Изма-из юраркан ғам билан шодлик..* Газетадан.

2 Кўзланган мақсад, иш ва ш.к. йўлидаги безовталик хатти-ҳаракати, шу ҳақдаги ўй-хаёл; ташвиш. *Менинг ҳеч нарсадан ғамим йўқ.* ▬ *Бўтабой Самандаровни туртиб, секин шивирлади: -Нега ўртоқ Сафаровга картошка.. ғами тушиб қолди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Эл-юрт ғамида ранжу ташвиш чеккан одамнинг йўли равон, дили нурафшон бўлади.* Газетадан.

Ғам емоқ 1) ғам-ҳасратда бўлмоқ, ғам чекмоқ (*қ.* **ғам 1**). *Ўламан, деб ғам емайман, айёрлар..* «Ойсулув»; 2) ташвишда бўлмоқ (*қ.* **ғам 2**). *Аҳмад уйига кириб борганида, Мунира қиш ғамини еб, аччиқ-чучукдан шиша банкаларга консерва ёпаётган экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *..кампир шўрлик бизнинг ғамимизни еб, даладаги катта қозондан тоғорада овқат ташийдиган бўлди.* Ҳ. Назир, Кўкорол чироқлари.

ҒАМБОДА [*а.* + *ф.* غمباده – кучли қайғу-аламдан келиб чиқадиган касаллик; ғамгин] *кт.* Ғам азобидаги; ғамли, қайғули. *Бошларини қуйи солиб кетаётган ғамбода кишиларнинг кўнгилларидан шундай фикрлар ўтар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Йўл азоби – гўр азоби, дегандай Хивага келаётган ғамбода Хадича ориқлаб, қопқора бўлиб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҒАМГИН [*а.* غمگين – ғамли, қайғули; хафа, маъюс] **1** Руҳини ғам эгаллаган ҳолатли; қайғули. *Ойқиз ғамгин Лоланинг елкасига қўлини қўйиб, алоҳида меҳрибонлик билан гапирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кампир чап ёнида оёғининг учи билан ер чизиб турган ғамгин Адолатга боқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ғам, қайғу ифодали. *Бир оздан кейин ўйчан, ғамгин қиёфада Кимёхон кирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *У ўз тақдирини билиб олмоқчи бўлгандек, йигитга тик боқди ва ғамгин нигоҳга дуч келди.* «Ёшлик».

ҒАМГИНЛИК Ғамгин ҳолат; ғам, ташвиш ифодали ҳолат. *Бу жуда чигал, шодлик ва ғамгинлик, умид ва умидсизлик чатишиб кетган бир сафар бўлди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Ота ўз ўйлари билан, бола эса отаси чеҳрасидаги ғамгинлик сабабларини қидириш билан машғул эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҒАМГУЗОР [*а.* + *ф.* غمگسار – ғамгин, қайғули, маъюс, хафа] Бировнинг ғам-қайғусини енгиллатувчи киши; ғамхўр, меҳрибон. *Муҳаммаднинг ягона ғамхўри ва ғамгузори – Гулсум кампирнинг кўзлари энди нурсиз.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

ҒАМДОШ *кам қўлл. айн.* **қайғудош**. *Шубҳа ичра қолганда танҳо, Ғамдошим, деб сени ўйладим.* А. Орипов, Йиллар армони.

ҒАМЗА [*а.* غمزه – ноз-карашма; нозли, қичиқли кўз қисиш, боқиш] Ноз ва дилбарона ишва билан киприк қоқиб, кўз сузиб қараш; ноз-карашма. *Роҳиланинг ҳар бир ҳаракатида Кавказ қизларига хос ла-*

тофат, ноз-карашма, нозик ғамза бениҳоя. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *У Иномжоннинг ўзига тикилиб турганини сезганидан, атайлаб ғамза билан ёнидан ўтди.* С. Аҳмад, Онажонлар.

ҒАМЗАДА [*а.* + *ф.* غمزده – ғамдан эзилган, қайғули; хафа] Ғам-алам билан эзилган, кўп азоб чеккан; ғамбода. *Зиндонхонанинг деворидаги туйнукдан ой мўралаб, бу иккала ғамзадани ҳайрат билан томоша қилди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ҒАМЗАЛИ Ноз-карашмали, ишвали. *Осмон, Навоий таъбири билан айтганда, фусункор афғон аёлларининг гўзал ва ишвали, ғамзали кўзлари каби мовий ва мусаффо.* В. Зоҳидов, Улуғлар изидан.

ҒАМКАШ [*а.* + *ф.* غمكش – ғам тортувчи, ғам чекувчи] Ғам, алам чекувчи; сабр-тоқатли. *Айириб олармиз қариндошларни, Қувонтириб неча кўзи ёшларни, Отга мининг, ғайрат қилинг, ботирлар, Шодмон қип опкелинг у ғамкашларни.* «Хушкелди».

ҒАМЛАМОҚ Маълум вақт, фурсат учун йиғиб тайёрламоқ, тўпламоқ, тайёрлаб қўймоқ. *Қишга ўтин ғамламоқ. Озиқ-овқат ғамламоқ.* ▬ *Тоғай қишлик мева ғамлагани чиққанларга кўпда тегмас эди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Ботирали акам уруғликни ғамлаб қўйганимиз учун раҳмат дедилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҒАМЛИ Ғам эгаллаган руҳли; ғам ифодали; қайғули. *Ғамли Ёқутбика бир-бир қадам ташлаб, ўз уйига кириб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Унсин хизматкорхона эшигида мағрур, лекин ғамли, ўйчан ҳолда турган акасини кўриш билан югуриб бориб, уни қучоқлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшикни, қабристонда қуръон ўқилаётганда чўзиқ, ғамли товуш билан ёйиладиган оҳанг тўлдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҒАММОЗ [*а.* غمّاز – кўз қисувчи, имловчи; ғийбатчи, туҳматчи] *эск. кт.* Сўз ташувчи, чақимчи. *Ўртада ғаммоз эрур, боз устига аҳли нифоқ.* Ҳабибий.

ҒАММОЗЛИК *эск. кт.* Сўз, гап ташиш, ғийбат иши. *Бировларнинг ғаммозлиги.. орамизга кудуратларни ташлагандир.* «Муштум».

ҒАМНОК [*а.* + *ф.* غمناك – ғамгин, қайғули; маъюс] *кт.* Ғамгин, хафа; ғам, қайғу ифодали. *Йўқ, мен сени кетмайман ташлаб, Ташвиш тушди, ғамноксан ҳозир.* Э. Охунова. *Эй, бобо, нечук ғамнок кўринасиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Унинг болаларникидай беозор кўзлари ғамнок боқарди.* С. Кароматов, Эътиқод.

ҒАМСИЗ Ғам-ташвишдан холи, ғами йўқ. *Эсиз, менинг ғамсиз бошим ғамхона бўлди, найлайин.* «Баҳром ва Гуландом». *Қушчам ғамсиз яшайди, Унинг ҳар дам вақти чоғ.* «Бойчечак».

ҒАМХОНА [ғам + хона] Қайғу, ғам-ҳасратли жой. *Ватаннинг вайронаси – умрнинг ғамхонаси.* Мақол. ▬ *-Нари туринг, – Лаъли жаҳл билан эрининг кўкрагидан итарди. – Эссиз умрим, бу ғамхонада чириб кетаётибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Муттасил ғамхонага айланган бу уйда қолишнинг асло имкони йўқлигига ишонганидан Зумрад бир қарорга келган эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҒАМХЎР [*а.* + *ф.* غمخور – қайғуга шерик, ҳамдард бўлувчи, юпатувчи; шафқатли] Кимса учун қайғурадиган, унинг ғамини ейдиган. *Юрагидаги шунча ғам-ғуссани кўтариб, яна синглисига онадай, отадай меҳрибон ва ғамхўр акадан айрилиш!..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозир кўзимга Султон амаки ҳар вақтдагидан кўра ғамхўр, раҳмдил кўриниб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ҒАМХЎРЛИК Кимса ҳақида қайғуриш, унинг ғамини ейиш; ғамхўр шахсга хос иш, хатти-ҳаракат. *Газеталарда ҳам, раҳбарларнинг нутқларида ҳам ёш мутахассисларга ғамхўрлик масаласи кўндаланг қўйилгани учун Шербекни, қанот бўлар, деган фикрда қўлтиғига олганди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Охиратим куймасин, деб беш ўғилнинг ҳаммасига ҳам бирдек ғамхўрлик, бирдек меҳрибонлик билан қарайдиган ажойиб онасини.. узоқ эслади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҒАНА *айн.* **ғон.** *Хосият хола қуртхонадан ғана олиб чиқаётиб, келинига кўзи тушди.* П. Қодиров, Эрк.

ҒАНИ [*а.* غنى – бой] **1** *эск. кт.* Бой, бадавлат, давлатманд. *Сен ғанисан, менда бисёр эҳтиёж.* Нодира. *[Эшон:] Сўзлангиз, Мирсиддиқбой махсум, Қўқонда аҳли савдодан ғанилар, зангинлар мўлми?* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Ғани (эркаклар исми).

ҒАНИМ [*а.* غنيم – душман, рақиб, ёв; қўлга олинган] Душман; рақиб. *Шаҳар халқига жар соламиз, қўлида бор қурол-яроғини кўтариб чиқсин, қўрғон ташқарисида ғаним билан мардларча олишамиз.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Ахир у эмасми дўстни ғаниму, Ғанимни дўст қилиб қўйгучи одам.*

А. Орипов, Йиллар армони. *Йўлда йўлтўсар чўнтагини қоқлаб олди. Индамай кетолмади.. ғанимига ташланди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ҒАНИМАТ [*а.* غنيمت – урушда қўлга киритилган нарса, ўлжа; овланган нарса] **1** *кт.* Урушда ёки овда қўлга киритилган нарса, ўлжа. *Ҳусайн Бойқаро мерганлар билан бирга тантанали ов ҳафталари тузиб, қорли саҳроларга сурон солар, катта ғанимат билан қайтарди.* Ойбек, Навоий. *Қалдирғоч учиб кетаётиб, ғаниматини тутаверади, ерда эса ожиз бўлиб қолади.* Газетадан.

2 Умуман, қўлга кирган, эга бўлинган нарса. *Ўғиллари ўттизинчи йилларда оталаридан мерос қолган ғаниматларни чўнтакка солиб, минг машаққатлар билан Машҳадга қочган эди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Ҳатто бизнинг давримизда келиб чиққан «Ёз неъмати – қиш ғанимати» деган мақол ҳам консерва шарофатига айтилгандир.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

3 Шахс, ҳолат ёки нарсанинг мавжудлиги вақтинчалик, ўткинчи ва қайтмайдиган эканини билдиради. *Дам ғанимат. Ёшлик ғанимат. Вақт ғанимат* ▬ *Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла Безамоқ чоғидир умр дафтарин.* Ғ. Ғулом. *Гулчеҳрага эри билан тотувлиги ҳам ғаниматдек туюларди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Биз ҳам ғанимат, бугун бормиз, эртага.. ўзи билади.* М. Мансуров, Ёмби.

ҒАНИМЛИК Ғанимга хос муносабат. *Биринчи ёрдамчи илжайиб қўйди: Яхшибоев билан Шоймардоновнинг азалий ғанимлигини биларди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ҒАР [*ф.* غر – фоҳиша, бузуқ аёл; хотинчалиш] Суюғоёқ хотин, бузуқ хотин, фоҳиша. *Ғар бўл, ўғри бўл – инсофли бўл.* Мақол. ▬ *Ўғри қариса – сўфи, ғар қариса, парихон бўлади», деб бекорга айтилмаган-да.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Оғзига келганини қайтармай, бўралаб сўка кетди: -Ғар, шарманда! Номусини сотган бузуқ!* К. Яшин, Ҳамза.

ҒАРАЗ [*а.* غرض – мақсад, ният; манфаат; яширин ёмон ният; зарур нарса] **1** *кам қўлл.* Шахсий манфаат; мақсад, ният. *Буни кўриб, Сидиқжоннинг қалбида бу жувонга нисбатан ҳар қандай ғараздан холи бир меҳр уйғонди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йигитали бу муносабат тагида нима бор – бирон ғараз, манфаат ёки шунчаки одамгарчиликми – билмасди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Бир неча кун яхшигина яшадилар.. энди билсак, қиз ўлгурнинг ғарази бошқа экан.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Ёмонлик кўзда тутилган мақсад, кўролмаслик муносабати. *Дастлаб унинг муомалалари Нурига дағалроқ кўринса-да, кейинча унда ҳеч қандай адоват, ғараз йўқлигини, табиати шундай кескинроқ эканини тушунди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзаро низонинг дарду марази Тинкамизни қуритди, хуноба қилди. Талашган хонларнинг кеку ғарази Етди юрт бошига – хароба қилди.* М. Шайхзода.

ҒАРАЗГЎЙ [*а.* + *ф.* غرضگوی – ғараз сўзлар айтувчи, ғаразчи] Ғараз билан иш тутувчи; ғаразчи. *Дилда кек сақловчи, ғаразгўй киши асло ўқитувчи бўла олмайди.* Р. Усмонов, Одобнома. *Сизнинг адолатли ҳукмингиздан бир нарсани сўраймиз.. бизнинг тўғримизда ёмон мақсад билан сизга чақимчилик қилувчи иғвогар ва ғаразгўйлар бу мажлисга ҳозирлансинлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шундай ранги тоза йигит Маҳкамнинг тасаввуридаги ғаразгўй амалпарастга ҳеч ҳам тўғри келмасди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҒАРАЗГЎЙЛИК Ғаразли муносабат, ёмон мақсад, кўра олмаслик туйғуси. *Аммо Йўлдошнинг кўнглида бундай режа йўқ. Агар бўлса, бу ғаразгўйлик, дўстга нисбатан инсофсизлик бўларди.* А. Мухтор, Чинор. *Кимдир ғаразгўйлик билан машина теримига ажратилган майдонга сув қўйиб юборибди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

ҒАРАЗЛИ Ғарази бор, ёмон мақсад кўзда тутилган. *Ғаразли гап. Ғаразли иш.* ▬ *Ғаразли фикр аксар сўзлагувчини шарманда қилади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Дўстларнинг ҳақ сўзи аччиқ бўлса ҳам, Ғаразли, хушомад сўздан яхшидир.* Ғ. Ғулом.

ҒАРАЗСИЗ Бирор ёмон ният ёки шахсий манфаат кўзда тутилмаган; ғарази йўқ, беғараз. *Ғаразсиз гап. Ғаразсиз иш.* ▬ *Мен.. ҳеч бир ғаразсиз, болаларча соддалик билан: -Оқ гул Қутбия опамнинг юзига ўхшайди! – дедим.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҒАРАЗЧИ *айн.* **ғаразгўй**. *Ғаразчи одам.* ▬ *Модомики, ўз ғарази йўлида истибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлғувчилар йўқолмас эканлар – бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлса-

лар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқазиш нажотимизнинг йўлидир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАРАМ Беда, пичан ва ш.к. нинг тўпланган уюми. *Пичан ғарами. Беда ғарами. Бир ғарам ғўзапоя.* ▬ *Пунктдаги пахта ғарамига яхшилаб қарайман десанг, бошингдан дўппинг тушиб кетади.* Ҳ. Нурий, Раиснинг орзуси. *Гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда камбағаллар қўзғалиб, бойларнинг ғарамларига ўт қўйишар.. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ғарам қилмоқ *айн.* **ғарамламоқ**. *Ўрмон ёнида, ғарам қилиб қўйилган похол олдида юк ортилган арава турарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ҒАРАМЛАГИЧ *қ.х.* Похол, пичан, пахта ва ш.к. ни ғарамлайдиган машина, ғарамлаш машинаси.

ҒАРАМЛАМОҚ Ғарам ҳолатга олмоқ; ғарам қилмоқ. *Пичанни ғарамламоқ. Ғўзапоя ғарамламоқ.* ▬ *Даставвал серўт яйловларни танлаймиз ва бу яйловлардаги табиий ўтларни етилтириб, сўнгра ўриб ғарамлаймиз.* Газетадан.

ҒАРБ [*а.* غرب — кунботар, ғарб] **1** Дунёнинг тўрт томонидан бири; шарққа қарама-қарши томон, қуёш ботадиган томон; кунботар. *Ғарбдан эсган шамол.* ▬ *Офтоб ғарбга ёнбошлаганда, икки йўловчи даштдан чиқиб, тепаликка йўл олди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 Маълум бир объект, ҳудуд, майдон, бино ва ш.к. нинг ғарб томони, ғарбий қисми. *Ўзбекистоннинг ғарби.* ▬ *Отабек майдонда отини супуриб эгарлар экан, майдоннинг ғарбидаги хароба уйнинг деворидан бир бош кўтарилиб, унга қараб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб, жануб биқини маълум Чақар суви билан, ғарби Бўзсув ва Кўкча ариғи билан ўралган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *с.т.* Ғарбий Европа, Ғарбий Европа мамлакатлари. *Жаннанинг ўзи.. ғарбда тикилган, кўкрак чўнтаги устига лотин ҳарфидан белгилар қўйилган желатка.. топиб келиб, Умидга кийгизди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҒАРБИ-ЖАНУБИЙ Ғарб билан жануб томонлар оралиғида жойлашган: ғарб билан жануб томонлар оралиғидаги. *Бу бурчдан қараган кишига қўрғоннинг ғарби-жанубий.. бурчи ҳам кўриниб, шу йўсинда тўрт бурчини айланиб чиқилса.. бизга таниш ўрда дарбозасига келинадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАРБИЙ [*а.* غربی — ғарбга (Ғарбга) оид, алоқадор] Ғарб томонда жойлашган, кунботар томондаги. *Ғарбий мамлакатлар. Ғарбий Европа. Республикамизнинг ғарбий қисми.* ▬ *Мирзаев Ғарбий фронтнинг ўзида учта хат, иккита совға олган эди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

ҒАРБИ-ШИМОЛИЙ Ғарб билан шимол томонлар оралиғида жойлашган; ғарб билан шимол томонлар оралиғидаги. *Лагернинг ғарби-шимолий томони, ўқтин-ўқтин учраб қоладиган тепаликларни ҳисобга олмаганда, кўзга илғанмас яйлов.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҒАРВАЧЧА [*ф.* غربچه — ғарнинг боласи] **1** Ғардан туғилган бола, ғарнинг боласи.

2 *сўк.* Ғардан тарқаган, ҳароми. *Жанишнинг қони қизиб кетди. У бор овози билан шовқин солди: -Тўхтайсанми, йўқми, ҳой ғарвачча! — деди қўлини қилич қилиб Файзи дастурхончига.* Ҳ. Шамс, Душман. *Ёмон одам яхши бўлмас ўлгунча, Қайдан келди пичоқли қўрс, ғарвачча.* «Бўтакўз».

ҒАРИБ [*а.* غریب — ёт, бегона, ўзга; нотаниш, номаълум] **1** Қариндош-уруғи йўқ, бирор ҳомийси, кўмакчиси бўлмаган, кимсасиз; мусофир. *Ғариб кўнглини ғариб билур.* Мақол. ▬ *Бу ғариб ва кимсасиз киши асли Сабзавор шаҳридан бўлиб, фалакнинг гардиши билан Ҳиротга келиб қолган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Файзи касалхонадан кетгандан кейин, бамисоли ғариб бўлиб қолдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Камбағал, қашшоқ; фақир, бечора. *Тирноқ-ла ер ўйиб, сувлар оқизган Ғариблар аҳволи қоларди тангга.* Ғайратий. *Бозор Ҳамроевич, ўғли ғарибгина бир оилага нақадар катта ғам-ташвиш орттирганини тушунди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

3 *кўчма* Ночор ҳолатли; кўримсиз; аҳволи танг. *..шаҳар четида ижарада, ғариб бир хонада.. яшардик.* М. М. Дўст, Лолазор. *Гиёҳлари қовжираган ғариб мозорга тикилиб ўтириб, ўтган болалигини.. эслади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўзи ҳамма вақт ғариб яшашига қарамай, жуда серпардоз эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

4 *кам қўлл.* Ажиб, қизиқ, ажойиб. *Сизлар эмас, отанг нима бўлади, Болам, жанг энди ғариб бўлади.* «Маликаи айёр». *Агар гумоним тўғри бўлса, Комилбекнинг қотили Ҳомиддир! — Бу сўз Отабекни ажаблантирганидек, уста Олимга ғариб эшитилган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАРИБЛАНМОҚ *айн.* **ғариблашмоқ.** *Етмиш кунлик қамал билан хазинамиз жуда ғарибланди, ҳатто шу кейинги кунларда ҳам қийналиб қолдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАРИБЛАШМОҚ 1 Ғариб бўлиб қолмоқ, кимсасиз, кўмакчисиз қолмоқ.

2 Аянчли, ночор аҳволга тушиб қолмоқ; камбағаллашмоқ. *Бир майдонга сурункасига пахта экилавергач, тупроқнинг таркиби ғариблашиб, ер ориқлаб, ҳатто минерал ўғитларни ўзига сингдиролмайдиган даражага етиб қолди.* Миртемир, Р. Раҳмон, Катта карвон.

ҒАРИБЛИК Ғариб ҳолат, ғарибона шароит. *Йўлчи қоронғи кечада борар экан, бутун ғариблигини, юрагидаги қайғу гирдобининг бутун оғирлигини яна чуқурроқ туйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Меъмор:] Қолган умримни, чолу кампир бирга, хокисору ғарибликда, тоат-ибодатда ўтказмоқчиман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҒАРИБОН [*а.* + *ф.* غريبان — ғариблар]**:** **шоми ғарибон** Ғарибона шом пайти; кишини изтиробга соладиган, кўзга хунук кўринадиган, кўнгилсиз, ҳувуллаган кечки пайт. *[Холниса хола] Кечқурунлари, шоми ғарибонда йиғлади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҒАРИБОНА [*а.* + *ф.* غريبانه — ғарибларча, ғариблар каби] Ғарибларга хос; фақирона, ночор. *Ғарибона ҳаёт кечирмоқ.* ▬ *[Муқимий ва Тожибой] Хуржунни бошга қўйиб, ғарибона уйқуга кетдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Бизникидақа кичкина, ғарибона эмас, катта, чиройли.. уй экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҒАРИБПАРВАР [*а.* + *ф.* غريبپرور — ғариблар ғамхўри] Ғарибларга ён босадиган, кўмаклашадиган; камбағалпарвар.

ҒАРИБУДДИЁР [*а.* غريبالديار — бошқа, ўзга мамлакат(лар)] *эск. кт.* Бошқа ёқдан келган; мусофир, фақир. *Узумчи ғарибуддиёр эканимни фаҳмлаб, баъзи маслаҳатларни берди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒАРИБ-ҒУРАБО [ғариб + *а.* غرباء — «ғариб» с. нинг кўпл.] Фақир кишилар, ғариблар. *Ҳа, худо, бературган бўлсанг, биздай ғариб-ғураболарга бер!.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *У киши [эшон] катта авлиё эмишлар. Бизга ўхшаган ғариб-ғураболарга меҳрибон эмишлар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ҒАРЛИК Суюқоёқлик; фоҳишалик, бузуқлик. *Ватанфурушлик уят, ғарлик, ўғрилик уят..* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ҒАРОВ Пояси қаттиқ ва бўғим-бўғим, ичи ковак, қамишга ўхшаш тропик ўсимлик; бамбук. *Авваллари наяки растасида ғаровдан чилимга найу сархона қилиб сотгувчи эди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

Тирноққа ғаров югуртирмоқ (*ёки* **солмоқ**) Қаттиқ азоб бермоқ, қийнамоқ. *-Қишлоқдаги миш-мишлар хунук, золимлар менинг ҳам тирноғимга ғаров югуртмоқчи, — деди чол.* А. Муҳиддин, Ёдгорликнинг тўйи. *Қўлимдасан, жодуда қирқтираман! Тирноқларингга ғаров соламан.* К. Яшин, Ҳамза.

ҒАРОЙИБ [*а.* غرائب — қизиқ нарсалар, камёб нарсалар] **1** Жуда кам учрайдиган, жуда бошқача, ғалати. *Ғаройиб машина.* ▬ *Назар Алиматга худди ажойибхонадаги ғаройиб нарсани томоша қилаётгандек боқарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Бу кўчалар шундай сирли ва ғаройибки, асти қўяверасиз.* С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак. *..янги журнални варақлаб ўтириб.. ғаройиб суратга кўзим тушди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *айн.* **ажойиб 1.** *Хатдаги гаплар бирмунча ғаройиб бўлиши баробаринда, унинг тегишли кишига етиши жуда зарур эди.* А. Муқимов, Тарк этма назокатни. *Бугунги кўпкари ғаройиб бўлди-да.* Ш. Ашурова, Янга.

ҒАРОЙИБОТ [*а.* غرائبات — «ғаройиб» с. нинг кўпл.] Ажойиб ва ғаройиб нарсалар, ажойибот. *Сафарга чиққанимдан буён кўп ажойиботларни кўрдим, кўп ғаройиботларнинг гувоҳи бўлдим.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. *Кўзи бир зум илингандай бўлади-ю, аммо алаҳсирай бошлайди, кўз ўнгидан турли-туман ажойиботлар, ғаройиботлар ўтади.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ҒАРРА-ШАРРА: ғарра-шарра сарф қилмоқ *с.т.* Меъёрдан ташқари, катта-катта сарф, чиқим қилмоқ. *Пулни ғарра-шарра сарф қилмоқ.*

ҒАРТ *тақл. с.* Кескин ишқаланиш ёки урилишдан келиб чиқадиган йўғон, дағал товушни билдиради.

Ғарт этмоқ *айн.* **ғартилламоқ**. *Эшик ғарт этиб ёпилди.*

ҒАРТИЛЛАМОҚ «Ғарт», «ғарт-ғарт» этган товуш чиқармоқ. *Карнайлар қулоқларни батанг қилиб ғартиллади.* Ғ. Расул, Адолат.

ҒАРТ-ҒУРТ *тақл. с.* «Ғарт» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Булардан бошқа яна 4 та «созанда» ҳам тақир-туқур, ғарт-ғурт қилиб, қулоқ-мияни еб бормоқда.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ҒАРЧ *тақл. с.* **1** Мўрт, куврак нарсани чайнаганда, босганда, синдирганда чиқадиган товушни билдиради.

Ғарч этиб (*ёки* **этказиб**) Ғарчиллатиб, ғарчча; тез ва шиддат билан. *Бодрингни ғарч этиб тишламоқ.* ▬ *-Шу билан мақтаняпсанми?! — пўнғиллади у қўлида қолган карам мағзини ғарч этиб чайнаб.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 *махс.* Этик, кавуш, туфли каби оёқ кийимларининг тагчарми орасига махсус тарзда қўйиладиган чарм ва юрганда ундан чиқадиган товуш. *Худо хоҳласа, этикларингга ғарч солдириб бераман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ўртага чўккан ўнғайсиз жимликни узоқ йўлакдан эшитилган этик ғарчи бузарди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳали ғарчи кетмаган туфлисидан тортиб пўрим телпагигача — бошдан-оёқ яна бир синчиклаб, маънодор тикилди.* «Ёшлик».

ҒАРЧИЛЛАМА Юрганда ғарчиллайдиган, ғарчиллаган товуш чиқадиган. *[Машарифнинг] Бошида дўппи, устида тўн, оёғида ғарчиллама этик.* Н. Мақсудий, Машарифнинг гинаси. *Оёғида ғарчиллама кавуш-маҳси.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ҒАРЧИЛЛАМОҚ «Ғарч-ғарч» товуш чиқармоқ. *Кўча ва ҳовлиларда музлаб ётган қор оёқ тагида ғарчилларди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Туфличаси ғарчиллайди, Дилиойим аччиғлайди.* «Бойчечак».

ҒАРЧЛИ Ғарчи бор, «ғарч» қўйилган: юрганда «ғарч-ғурч» қиладиган. *Очил бувага қараганда у [Азимжон] бошқа бир олам: ғарчли ялтироқ этик, шевиот шим, ипак кўйлак.. ҳаммаси бежирим, ҳаммаси нафис, тахи бузилмаган.* А. Мухтор, Чинор. *Афанди янги тикилган ғарчли бедана кавушини кийиб, ҳар қадамда завқланиб, боғ сайлига кетаётган эди.* «Латифалар».

ҒАРЧСИЗ Ғарчи йўқ, «ғарч-ғурч» қилмайдиган. *Ғарчсиз этик.*

ҒАРЧЧА 1 «Ғарч» этиб ёки «ғарч» этказиб. *Тилимни ғарчча тишлаб олдим. У михни ғарчча босиб олди.* ▬ *Турдиевнинг қўлини гитлерчи ғарчча тишлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Турган-битгани, нуқул. *Ёнғоқ меваларни оладиган бўлсак, уларнинг таркиби ғарчча мой бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *..ёғлиқ патир, қулинг ўргилсин ғарчча думбали сомсаларни тўкиб ташлади дастурхонга.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҒАРЧ-ҒУРЧ «Ғарч» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Кишиларнинг оёқ босишлари зарбидан қорнинг «ғарч-ғурч» қилган ноласи эшитилади.* Газетадан. *Нафиса унинг пиёзни ғарч-ғурч чайнаб, нон билан тушираётганини завқланиб томоша қиларкан, сўзларининг мағзини чақишга уринарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҒАРҚ I [*а.* غرق — сувга чўк(тир)иш, бот(ир)иш; сув тошқини *ёки* غريق — сувга чўкиб кетган, ботган] **1** Сувга чўккан, сув қаърига ботган. *Яхши билан ёмон ўртаси фарқдир, Буни билмаганлар дарёга ғарқдир.* Газетадан.

2 *кўчма* Бирор нарсага кўмилиб кетган; бурканган, чўмган ҳолатли (ҳолатда). *«Тоқи заргарон» остидан чарчоқ, пала-партиш хаёлларга ғарқ ўтиб бораркан, ён томондан дўриллаган овоз эшитилди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Гўё борлиқ тинч ва осойишта дамларнинг лаззатига ғарқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Ғарқ бўлмоқ 1) чўкмоқ, сув қаърига кирмоқ. *Икки кеманинг бошини тутган ғарқ бўлар.* Мақол. ▬ *Омон қоламан десанг, қирғоққа чиқ!.. Чиқмасанг, баринг дарёга ғарқ бўласан!* Ж. Шарипов, Хоразм; 2) бирор нарсага бутунлай ўранмоқ, бурканмоқ; ботмоқ, чўммоқ. *Бутунлай ипак-атласларга ғарқ бўлган Холжон хола бўйи баробар катта бир ойнага қараб, ўзини томоша қилди.* Ғайратий, Довдираш. *Чуқур хаёлга ғарқ бўлиб ўтирган Зулфизар бир чўчиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҒАРҚ II Ўзи боғланиб келган сўз (сўз бирикмаси) англатган ҳаракат-ҳолатнинг тўла-тўкис, бутунлай юз беришини, юз берган ҳолатини билдиради. *Рисолат отин кўкариб кетган эрини кўриб.. қайноқ новвот чой тайёрлаб, босиб-босиб ичирди. Қўлдош отанинг бадани илиб, ғарқ терлади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Улоққа ташланган-*

ларнинг ўзлариям, отлариям хиёл ўтмай ғарқ терга ботди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Узумлар ғарқ пишган, новдаларда олтинланиб, одам кўнглини маст этади.* Б. Барот, Соҳибкорлар. *Ҳозир айни ғарқ пишиқчилик пайти.* Газетадан.

ҒАРҚОБ [*ф.* غرقاب — сув айланиши, гирдоб] *кам қўлл.* **1** *айн.* **гирдоб.**

2 *кўчма* Бирор ҳодиса, жараён даврасида, қамровида, таъсирида бўлиш. *Хаёлларга ғарқоб бўлиб, ёнбошлаб ётиб эдим..* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҒАРҒАРА I [*а.* غرغره — вишиллаш, қулқуллаш; томоқ, ҳалқумни чайқаш, чайқаб тозалаш] *тақл. с.* **1** Сув ёки бошқа суюқ нарсани оғизда тутиб, томоқни чайганда чиқадиган товушни билдиради. *Ғарғара қилмоқ.* ▬ *Йўлдош жуда чарчаган. Бунинг устига-устак томоғи шамоллаган эди. Намакоб билан ғарғара қилиб юриб, кечагина зўрға тузатиб олди.* А. Мухтор, Чинор. *Сут билан оғизни чайқаш ва ғарғара қилиш томоқ оғриғи, бодомсимон безларга наф бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 Ўлим олдидан томоқдан чиқадиган хирқироқ товуш. *..ўғлини аллақайси гулгун базмдан чақириб олиб, ўлим тўшагида ажал ғарғараси тутиб ётган қари граф ҳузурига юборади.* Х. Султон, Бир оқшом эртаги. *Келса, жиянининг томоғига ғарғара келиб қолган экан. Зиёда бош томонда, Гулнора қиз оёқ томонда унсиз йиғлаб ўтиришибди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ҒАРҒАРА II *махс.* **1** Арқон ёки занжир ёрдамида бирор нарсани тортиш, кўтариш учун хизмат қиладиган мослама, ўққа ўрнатилган ғалтак; чиғир. *Қўра яқинига қазилиб, устига ғарғара ўтқазилган бир қудуқ у ердагиларнинг сув манбаи эди.* С. Айний, Қуллар.

2 Катта чарх, девчарх; чархли дастгоҳ. *Пиллакаш пилла ипининг учини топиб, бир-бирига чирмашиб кетган пилла ипини.. ғарғарага ўрнатилган дугга ўрар эди.* Газетадан.

ҒАРҒАША Шамол, офтоб, совуқ таъсирида қуруқшаган; ғудраша. *Кўпинча совуқ, нам ҳавода қўл ғарғаша тортади, ёрилади.* «Саодат».

ҒАСБ [*а.* غصب — зўрлаш, мажбурлаш, куч ишлатиш; ҳокимиятни босиб ёки тортиб олиш]: **ғасб этмоқ** *эск. кт.* Бировларнинг мол-мулкини ўзиники қилиб олмоқ, ўзлаштирмоқ: тортиб олмоқ, таламоқ. *Қайлиқ ўйнаб, қиз сотишлар, Чўри, хизматкор тутишлар, Биров мулкин ғасб этишлар — Бу кун сенга кўп қийиндир.* Ҳамза.

ҒАССОЛ [*а.* غسّال — кир ювувчи; ўлик ювувчи] *айн.* **ювғучи**. *Икковимиз ҳам янги ҳаваскор ғассол бўлганимиз учун, қизишиб кетиб, [ўликни] уч мартагина эмас, 10-15 марта чайқаб юбордик.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *[Уйга] Сўфи, ундан кейин ғассол, ундан кейин яна бир неча художўй кишилар келишди.* Мирмуҳсин, Ғурбатдаги одам.

ҒАТ *тақл. с.* Карнай, машина сигнали кабиларнинг товушига ўхшаш товушни билдиради. *..карнайларнинг ғат-ғати ҳавони ларзага келтирди.* М. Осим, Ўтрор. *Йўғон киши, худди ғозга ўхшаб, «ғат-ғат-ғат» қилиб кулди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҒАТИЛЛАМОҚ «Ғат-ғат» этган товуш чиқармоқ, «ғат-ғат» қилмоқ.

ҒАФЛАТ [*а.* غفلت — паришонхотирлик, бепарволик, лоқайдлик; ақлсизлик] **1** Ҳушёрлик бутунлай йўқолган ҳолат, бутунлай огоҳсизлик; ғофиллик. *Келди айёми баҳор, иш даври бир он ўтмасин, Бир нафас ғафлатда бу қийматли даврон ўтмасин.* Ҳабибий. *-Қалай? — деб сўради Комилов Бекдан отишнинг натижасини билмоқчи бўлиб. -Ғафлатда экан, чамамда, ҳаммаси бўлмаса ҳам, тенг ярми қирилди.* И. Раҳим, Мангулик қўшиғи.

Ғафлатда қолмоқ *ёки* **ғафлат босмоқ** Ҳушёрликни йўқотмоқ, ғафлат ҳолатига тушмоқ; ғофиллик билан фурсатни қўлдан бермоқ. *Тушуниб қадам боссанг, ғафлатда қолмайсан, хато қилмайсан, ғарқ бўлмайсан.* Й. Муқимов, Қизилқум паҳлавони. *Ғафлат босиб, кўзим илинган экан, бир вақт қулоғимга хириллаган товуш кирди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Ишқилиб, [ғўзани] парвариш қилиш даврида ғафлатда қолманглар-да..* Газетадан.

2 *кўчма* Нарсаларнинг моҳиятига тушунмаслик; нодонлик, жаҳолат. *Абдишукур давом этди сўзида: -Хусусан, биз, Туркистон мусулмонлари, чуқур ғафлатдамиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ғафлат уйқуси Қаттиқ уйқу. *У ер-бу ерга қўйилган қоровуллар эса ғафлат уйқусида эдилар.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *..хонадон эгалари ғафлат уйқусида ётгандай. Жимжитлик.* С. Сиёев, Аваз.

ҒАЧЧА *с. т.* Ғарчча. *Сапчиб ҳиқилдоғини ажратиш учун бўлган Муталнинг биринчи ҳаракати бўшга кетди-да, чап биқинига ўткир ханжар ғачча ботирилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒАШ I [*ф.* غش – ҳушидан (ўзидан) кетиш, ҳушини йўқотиш, беҳушлик] **1** *сфт. кам қўлл.* Нохуш, дилгир (кайфият, руҳиятга нисбатан). *Уларнинг бўлимларида ситамгар ғаш кайфият ҳукмрон.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ойдин кечада бу хунук овоз унинг ғаш кўнглини тирнаб ўтгандай бўлди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 *айн.* **ғашлик 1.** *Орадан бир неча ой ўтган бўлса ҳам, Роҳатбиби кўнглидаги ғаш ёзилмади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Кўнгли (*ёки* **юраги) ғаш тортмоқ** *айн.* **ғашланмоқ**. *Қассобнинг эсига дафъатан тунов кунги дилхиралик тушиб, кўнгли бешбаттар ғаш тортди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. **Ғаши келмоқ** 1) асаби қўзғамоқ; ғижинмоқ. *Азиза курсдош қизларнинг ғаши келаётганини сезган сайин ўзини ғолиб ҳисоблаб, роҳатланар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) бадандаги бирор таъсирдан безовталик, ноқулайлик сезмоқ. *[Йўлчи] Баъзан ғаши келиб, баданга ёпишган кўйлакни кўчирар ва елпинар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ғашига тегмоқ** 1) асабини қўзғамоқ, ғижинтирмоқ. *У ғашга тегар даражада ялтоқланаркан, меҳмонларни «қани-қани»лаб, ҳовлига бошлади.* «Ёшлик»; 2) бирор таъсирдан ноқулайлик, ёқимсизлик туйғуси қўзғалмоқ. *Сочлари орасидан пешонасига сизиб тушаётган томчиларнинг ғашига тегишига парво қилмай, ҳозиргина бўлиб ўтган воқеадан қувонар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҒАШ II Ғишғиша қилаверадиган; инжиқ (болалар ҳақида). *Кичик ўғли жуда ғаш бўлган.*

ҒАШ III [*а.* غشّ – алдамчилик, фирибгарлик; сохтакорлик] *шв.* Душман, рақиб, ёв. *Шул сабабдан дев билан парилар сизга ғаш бўлган.* «Маликаи айёр». *Эътибор дейсанми қилган ишингни, Ҳеч билмайсан душманингни – ғашингни.* «Эрали ва Шерали». *То ўлгунча Николай билан ғаш бўлди, Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда.* «Қўшиқлар».

ҒАШАВА *айн.* **ғишава**. *[Директор] Сиртқи институтга кирларинг, деб ғашава қиляпти.* С. Зуннунова, Янги директор. *..бекордан-бекорга смена бошлиғи билан диспетчерга ғашава қилишарди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ҒАШЛАМОҚ Ғашликка солмоқ, ғаш қилмоқ. *Собирдан дарак йўқлиги Роҳиланинг дилини ғашлаганди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ҒАШЛАНМОҚ 1 Ғашламоқ фл. ўзл. н. *Кета туриб, хаёлига шубҳалар келиб, кўнгли ғашланди-ю.. ўзини юпатди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ғашлик, инжиқлик қилмоқ. *..кўрпаларни боланинг устига ёпиб, ўз қулоғини унинг ғашланишларидан тинчитди..* С. Айний, Қуллар.

ҒАШЛИК I Руҳиятдаги дилгир, ғаш ҳолат; нохуш, дилгир туйғу, таъби хиралик. *Кундошлик – кўнгил ғашлик.* Мақол. ▬ *Баширжоннинг дилига ғашлик оралади. Асқар Бакировичнинг овозидан кайфияти яхши эмаслиги сезилиб турарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Нега, менинг дилим, титрайсан нечун, Нечун юрагимни тирнайсан, ғашлик*? А. Орипов, Йиллар армони.

ҒАШЛИК II Ғишғиша, харҳаша, инжиқлик. *Эрталаб Анзират хола кийинтираётганида, боланинг ғашлик қилиб йиғлаётганини, онасини йўқлаганини кўриб, кўнгли бузилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Олиб кетдим бари бир алдаб, Қилса ҳамки ғашлик, айёрлик.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ҒАШЛИК III Ғайирлик, душманлик. *Сизларга менинг ғашлигим йўқ, аммо ҳавасим келади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҒАШҒАША *с.т.* Харҳаша, ғашава, жанжал. *..ҳар йили бир бор кўйлак деб ғашғаша қилади.* К. Алиев, Миллат пешвоси.

ҒАЮР [*а.* غيور – рашкчи; жонкуяр, фидойи; ғайратли, тиришқоқ] **1** *эск. айн.* **ғайир**. *Нима дейсан, эй ғаюр инсон? Ғийбатларинг мени қилди қон.* М. Юсуф.

2 *с.т.* Ғайратли. *Дарҳақиқат, сиз ва бизнинг вазифамиз бундай ёш, ғаюр йигитларга ҳар доим далда беришликдир.* А. Қодирий, Кичик ҳикоялар.

ҒАҚ *тақл. с.* Ўрдак ёки қарға-қузғунлар товушини билдиради. *Шақиллаб мақтаниш билан алахсиган олаҳакка, сигирнинг думи текканда, «ғақ!» этди-ю, ура қочди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҒАҚИЛЛАМОҚ «Ғақ-ғақ» этган товуш чиқармоқ. *Холматжон.. аллақаерда тинимсиз ғақиллаётган ўрдаклар овозига қулоқ соларди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ғознинг ғақиллаган товуши кампир ўғлининг қулоғига бориб, дарди бўшашиб, энасига бир сўз деб турган экан.* «Алпомиш».

ҒАҚ-ҒУҚ *тақл. с.* «Ғақ» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Кун ёйилиб, елкани қиздира бошлади. Узоқ-яқиндан ўрдакларнинг ғақ-ғуқи эшитилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҒАҒИЛЛАМОҚ «Ғақ-ғақ» деган товуш чиқармоқ. *..қаердандир ўрдакларнинг ғағиллаши эшитилар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Хайрлашган товушлар. Машина жўнайди. Ғозлар ғағиллайди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ҒИВАК *шв.* Яхши ривожланмаган, нимжон, заиф (ўсимлик ҳақида). *Ёввойи ўт, зарпечак Зормандалар авжида.. Куйиб ғивак ғўзалар Азобда қолган жуда.* Т. Йўлдош.

ҒИВИЛЛАМОҚ *айн.* **ғивирламоқ**. *Сал шўхлик қилсанг: -Ғивиллама оёқ остида! — деб жеркишарди улар.* Ойбек, Болалик.

ҒИВИРЛАМОҚ *с.т.* **1** Тинимсиз, бетартиб ҳаракат қилмоқ, «ғивир-ғивир» қилмоқ; ғимирламоқ (майда жониворлар ҳақида). *Пастдан қараган кишига гўё беҳисоб чумоли карвони ғивирлаётганга ўхшаб кўринади.* И. Раҳим, Ихлос. *Кўклам келиши билан бутун дарахтлар уйғонади, қурт-қумурсқалар ҳам ғивирлаб қоладилар.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 *кўчма* Аста қўзғалмоқ, ҳаракатга келмоқ. *Дарҳақиқат, душман ғивирлаб қолган эди. Ҳадемай ҳужумга кўчди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Кетмоқчи бўлиб ғивирлай бошлаган эди, Ҳалима опа қўймай, чойга ўтқазди.* Ойдин, Ҳикоялар.

3 Бирор нарса, иш билан секин-аста куйманмоқ. *Ҳовлида беш-олти киши ғивирлаб юрибди.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар. *Ғивирларди бунда ҳамиша: Гул суғорар, ҳовли супурар..* Ойбек, Қизлар.

ҒИВИРСИМОҚ *айн.* **ғивирламоқ 3.** *Бир куни у кечаси шаҳардан келаётган эди, катта толнинг тагида кимдир ғивирсиб юрганини кўрди.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Ошхона атрофида ғивирсиб юрган одамларни ҳам кўриш мумкин.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒИВИР-ШИВИР *тақл. с.* Секин, аранг эшитиладиган, маъноси ноаниқ товушларни билдиради; пичир-пичир, ғивир-ғивир. *Кечаси қўшни ҳовлида ғивир-шивир бўлиб қолди.* ▬ *Кел, кел, қани, нима бўлди? Сўзла, ғивир-шивир қулоғимга чалинди..* Ойбек, Улуғ йўл. *..одамлар ўртасида ғивир-шивир гаплар тарқалди.* А. Толипов, Ҳақиқат енгди.

ҒИВИР-ҒИВИР *тақл. с.* **1** Ҳашаротнинг аста, давомли, тинимсиз ҳаракатини, қимирлашини билдиради. *Бир нарса ғивир-ғивир қилиб ухлатмади. Қулоғимда бир нарса ғивир-ғивир қилди.*

2 Бирор иш билан тинимсиз шуғулланиш, тинимсиз уриниш ҳолатини билдиради. *Дунё ари уяга ўхшар экан. Ғивир-ғивир қиласан, кирасан, чиқасан, уринасан, суринасан — бол йиғасан. Сен йиққан болдан қавм аҳли баҳра топишини ўйлайсан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒИДИ-БИДИ Норозилик, талаб, шикоят, койиш ва ш.к. тарздаги гап-сўз, ўзаро айтишиш (одатда, арзимас, майда-чуйда нарсалар ҳақида). *..сен билан ғиди-биди айтишиб ўтиришга тоқатим йўқ.* Т. Ашуров, Марварид тут. *Эру хотин ўртасида ғиди-биди бошланганига мана икки кун бўлди.* «Муштум». *Муслим ишга кетиши билан, қайнана-келин ўртасида ғиди-биди гаплар баъзан жанжалларга айланиб кетарди.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

ҒИДИЛЛАШМОҚ *с.т.* Ғижиллашмоқ.

ҒИДИНГЛАМОҚ *с.т. салб.* Бемаъни гапларни айтмоқ; пўнғилламоқ, дўнғилламоқ. *Сафар сапчиб ўрнидан туриб, овози борича: -Ҳайдасангиз — ҳайдайверинг, колхозингизга зор эмасман, — деб ғидинглади.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ҒИДИ-ҒИДИ *айн.* **ғиди-биди**. *Кундошлик иши қийин, коса косага текканда, ғиди-ғиди гаплар кўпайса, бизга эмас, ўғлингга ҳам татимай қоладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒИДО [*а.* غداء — нонушта; тушлик овқат; озиқ, таом] *эск. кт. қ.* **ғизо**. *Қиз ва йигит орасида.. пахтачилик ривожи тўғрисида қизғин суҳбат бошланиб кетди. Ҳар иккисининг жонига бу мавзу ғидо эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ҒИДҒИДЛАМОҚ *тақл. с.* Бўлиниб-бўлиниб чиқадиган овоз билан сайрамоқ (каклик, бедана ҳақида). *Ҳожи дўппили Султон пучуқ такяда боқиб юрган каклик ғидғидлай бошлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒИД-ҒИДОК *тақл. с.* Какликнинг сайрашини билдиради. *Бу тонгда Ҳожи бобо*

наврўздан буён ихлос қўйиб парвариш қилиб юрган, аммо сайрамаган, Ўратепадан совғага келган туллак каклик бирдан «ғид-ғидок» чиқариб қолди.. F. Fулом, Шум бола.

FИЖБАНГ *тақл.с. қ.* **гижбанг**.

FИЖБАНГЛАМОҚ Маълум усул ёки ритмда чалинмоқ, жарангдор овоз таратмоқ (чилдирма ҳақида). *Қаердадир чилдирма ғижбангламоқда, бир томонда майда ва шўх, иккинчи томонда кишининг қалбини тирнайдиган катта ашула бўлмоқда.* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари.

FИЖЖАК [*ф.* غجک / غژک – камонча билан чалинадиган торли мусиқа асбоби] Сим торли, қоринчасига махсус тери қопланган, камонча билан чалинадиган мусиқа асбоби. *Ичкаридан.. най ва ғижжак овози баралла келиб турар эди.* Fайратий, Довдириш. *Барот полвон «додхоҳ келибди шекилли», деб самовар томонга қараган эди, дутор, танбур, ғижжак, най, доира кўтариб келаётган машшоқларга кўзи тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

FИЖЖАКЧИ Fижжак чалувчи созанда. *Фақат ғижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «тақ» этиб чертиб қўяр, карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди.* С. Аҳмад, Музикали воқеа. *Эшонхон даҳлизда ичириб-едириб меҳмон қилган бир гуруҳ танбурчи, ғижжакчи созандаларини бошлаб кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

FИЖИЛЛАМОҚ 1 *с.т.* Fижирламоқ. *Fижиллайдиган каравот.* ▬ *[Давлатёр] Билинар-билинмас ҳуштак чалди. Гўё унинг ҳуштагига дарвозанинг бир қаноти сезилар-сезилмас ғижиллабгина бир одам сиғарлик очилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Намиққан эшик ғижиллаб очилди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Танча ёнида чўмилтирилган бола эртасига ўпкаси ғижиллаб, ғингшиб чиқди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси.

2 *с.т.* Кўпайиб, «ғиж-ғиж» бўлиб кетмоқ, тўлиб-тошмоқ. *Қараса, бир кичкина бозор экан, одам ғижиллаб ётибди.* «Равшан».

FИЖИЛЛАШМОҚ Ади-бади айтишмоқ; жанжаллашмоқ. *..бўлимга чиқишим билан Каримийнинг тазйиқига учрадим-у, икковимиз ғижиллашиб қолдик.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *Ҳозир у билан ғижиллашиб ўтиришнинг фойдасиз эканини пайқаб, орқага чекинди.* М. Осим, Элчилар.

FИЖИМ I Букланиб, эзилиб, тахи, текислиги бузилган. *[Акбарали] Fижим қоғозни кафти билан яна текислаб, яна ўқиди, иккинчи анкетани ҳам олиб, солиштириб ўқиди.* А. Мухтор, Чинор. *Тоғорага солиб ювсангиз ҳам, ғижим бўлмайди, материали жуда пишиқ.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Fижим кўйлакни киймайди, ботинкасини узоқ ишқалаб тозалайди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

Fижим бахмал (*ёки* **духоба**) Бахмалнинг туклари бир текис, силлиқ бўлмасдан, ғижимланган каби товланиб турадиган хили. *Магазиндан ўн метр ғижим духоба олдим.* ▬ *Муҳаббат.. бир кийим ғижим бахмал олиб чиқади, Турғун чўт уриш билан овора.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Fижим рўмол** Fўзапўчоқ шаклида бўртиқ нақшлар солиб тўқилган ипак рўмол. *Гажак қўйган келинчаклар, ғижим рўмол ўраган қизлар фотография олдида ўралашиб қолишади.* С. Аҳмад, Уфқ.

FИЖИМ II *с.т.* Сиқим, чангал. *[Нусратилла] Белидаги бир қийиғини жаҳл билан шартта ечиб, бир ғижим пулни ялтироқ ғишт устига сочди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

FИЖИМЛАМОҚ 1 Текислиги, тахи бузилган, эзилган ҳолатга олмоқ; ғижим қилмоқ. *Заргаровнинг ҳовлисида.. ерда ётган бир пой эски калиш, ғижимлаб ташланган бир-иккита газетадан бошқа ҳеч нарса йўқ.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар. *Столдаги оппоқ сочиқни олиб, бўйни, юзини артди-да, ғижимлаб, ёнига қўйди.* С. Нуров, Нарвон. *..бир нуқтага тикилганча, хат ёзилган қоғозни беихтиёр ғижимлай бошлайди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

2 Кафтлари орасида маҳкам, эзган ҳолда тутмоқ, сиқиб ушламоқ. *-Мен ҳам соғиндим, Ойқиз, – деди Олимжон Ойқизнинг сочларини ғижимлаб..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *-Энди бу ёғи бизга боғлиқ, – деди у кафтидаги бир сиқим тупроқни ғижимлаб.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

3 *кўчма* Азобламоқ, эзмоқ, қийнамоқ. *Вужудини дард ғижимлаб ташлагандек букчайиб, ўз кўчасига бурилди Икромжон.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бу хаёл унинг қалбини ғижимлади..* Мирмуҳсин, Умид.

FИЖИН: ғижини келмоқ Fаши, аччиғи келмоқ. *Маҳалла бойваччаларининг тўйдан мийиқлари остида кулиб чиқаётганларини*

кўриб, Ҳайдарнинг ғижини келди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. **Ғижинига тегмоқ** *ёки* **ғижинини келтирмоқ** Жаҳлини чиқармоқ, аччиғини келтирмоқ, ғашига тегмоқ. *Бу сийниталоқ [синглиталоқ]нинг боласи.. ғижинимга тегиб юрибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҒИЖИНМОҚ Аччиғи келиб, жаҳли чиқиб, қиёфаси шунга мос ҳолда ўзгармоқ (мас., юзи бурушмоқ). *Тишларини бир-бирига босиб, қаттиқ оғриққа дучор бўлган кишидек ғижинди, қисиқ лабларидан пушаймонликни ифодаловчи инграш чиқди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Раҳим муштлар зарбини тузуккина сезган бўлса-да, аламини ичига ютди, тишларини қирсиллатди, ғижинди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Эрининг вағиллашидан ажабланиб югуриб чиққан Майсахон ҳам иккала биродарнинг бир-бирига ғижиниб турганини кўриб, ҳайкалдек қотиб қолди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

ҒИЖИР *тақл. с.* Қаттиқ нарсаларнинг бир-бирига ишқаланишидан ҳосил бўладиган ёқимсиз товушни билдиради. *Эшикнинг ғижири. Каравотнинг ғижири болани уйғотиб юборди.* ▬ *Тупроғи билқ-билқ кўчадан араванинг асабларни пармалайдиган ғижири эшитиларди.* Ойбек, Навоий.

ҒИЖИРЛАМОҚ 1 «Ғижир-ғижир» товуш чиқармоқ, ғижир-ғижир қилмоқ. *Аравага гўнг роса тепкилаб босилган, ғилдираклар юк зўрлигидан ғижирлар, қўш от уни зўрға тортарди.* Ҳ. Ғулом, Феруза. *Баширжоннинг тишлари ғижирлаб, ўрнидан туриб кетди.* Н. Аминов, Суварак.

2 *с.т.* Шамоллаш ёки бирор касаллик туфайли хириллашга яқин овоз чиқармоқ. *Тузукликка тузук. Лекин ҳали ҳам ўпкалари ғижирлайди, йўталадилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҒИЖИРЛАШМОҚ *қ.* **ғижиллашмоқ**. *Ота-ўғил, биз келмасдан аввал, ўзаро ғижирлашиб олган эканлар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ғайбулла қурилиш бошқармасига бориб, ўзи гаплашди.. совхоз бошлиқлари билан ҳам ғижирлашиб олди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

ҒИЖМАЛОҚ *шв.* Ғижимланган, тахи бузилган, ғижим. *Кўйлак ғижмалоқ бўлиб кетибди. Ғижмалоқ қилмоқ. Қоғозни ғижмалоқ қилмоқ.*

ҒИЖМАЛОҚЛАМОҚ *шв.* Текислигини ёки тахини бузмоқ, ғижимламоқ, ғижмалоқ қилмоқ.

ҒИЖ-ҒИЖ *тақл. с.* **1** *айн.* **ғижир-ғижир**. *«Ғиж-ғиж» суриладиган [сумка] занжирининг тишлари тўкилиб.. тасмаси бир неча жойидан ямалган.* «Ёшлик».

2 *с.т.* Ниҳоятда кўп, саноғига етиб бўлмайдиган даражада. *Ғиж-ғиж одам. Ғиж-ғиж чумоли.* ▬ *Ғиж-ғиж бўлиб, қумурсқалардай қайнаб ётган қўшин кўприкда шундай тиқилиб қолган эдики..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҒИЗ *тақл. с. (асосан такрор ҳолда қўлланади)* **1** Жуда тез йўналишдаги, учаётган нарсанинг товушини билдиради. *Ҳавода кетма-кет ўқлар ғиз-ғиз учар эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Тез, ғизиллаб. *Ўшандан ўтсанг, тўғри йўл кетади, шағал тўкилган. Ғиз-ғиз машина ўтиб туради.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

Ғиз этиб 1) тез, ғиз этган овоз чиқариб, визиллаб. *Ўқ бошим устидан ғиз этиб ўтди;* 2) тезлик билан, бир зумда. *..шаҳарга тушгиси келса, бир соат автобус кутмай, ғиз этиб бориб келаверади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ҒИЗИЛЛАМОҚ 1 «Ғиз» этган овоз чиқармоқ, «ғиз» этмоқ. *Маҳкамадаги хоналарга юзларча тошлар ғизиллаб учди.* Ойбек, Навоий. *Ўқ устига ғизиллар ўқлар, Тиллар томоқларга тиқилар.* Э. Раҳим.

2 Чаққон ва тез ҳаракат билан юрмоқ, югурмоқ. *Нон битгач, саватни.. супурги бойлаб ўтирган бир кишига омонат ташлаб, бозорга ғизиллади.* Ойбек, Танланган асарлар. *..сабри чидамай, эшикка отилди. Зиналардан ғизиллаб тушди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Шу пайт ортимиздан ғизиллаб йўловчи автобус келиб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҒИЗО [*а.* غذاء – овқат, озиқ, таом, егулик] *эск. кт.* Овқат, озиқ, емиш. *Муқимий кейинги ҳафталарда ортиқ инжиқлашиб, Қўқонга қайтиб боришдан умидини узгандек, ҳатто дўстларини ҳам, ўғлини ҳам ёдламай қўйган, кам завқ, кам ғизо бўлиб қолган эди.* С. Абдулла, Қувғунда. *Ошиқлар ғизоси бу оқшом висол, Ташналик давоси лабдаги зилол.* Э. Воҳидов, Тўй оқшоми. *Бир пайт ғизо излаган эчкидек, қоратоғ қарғаси учиб келиб, чинор шохига қўнди.* Н. Ёқубов, Жон.

ҒИЗОЛ *айн.* **ғазол**.

ҒИЗҒИЗАК *шв.* Бизбизак.

ҒИЙБАТ [*а.* غيبت – йўқлик, мавжуд эмаслик; вақтинча йўқ бўлиш] Бировни камситиб, айбситиб, ёмонлаб гапириш, фисқ-фасод. *Бекорчининг ҳунари – ғийбат.* Мақол. *Болали уйда ғийбат йўқ.* Мақол. ▬ *Афсуски, майда-чуйда ғийбатларга берилдим, бировни бировга қарши қайрадим, хуллас, умрим ўтиб кетди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бўлим бошлиғи чиқиб кетди дегунча ғийбат бошланади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Ғийбат қилмоқ Ғийбат тарзидаги гаплар айтмоқ, шундай гаплар билан айбситмоқ, ёмонламоқ. *Баъзи аёлларга ҳайронман, иккитасининг боши қўшилдими – бас, бировларни ғийбат қилгани-қилган.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Киши меҳнат қилмаса, ғийбат қилади.* Мирмуҳсин, Умид.

ҒИЙБАТХОНА [ғийбат + хона] *с.т.* Ғийбат гаплар кўп бўладиган жой, фисқ-фасод уяси. -*У жувонмаргларнинг нияти ёмон, – Қумри ўзи ташлаб кетган ғийбатхонанинг сиру асрорини оча бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҒИЙБАТЧИ Ғийбат қилувчи, ғийбатни одат қилиб олган киши. *Ғийбатчининг бурди бўлмас, туҳматчининг юзи бўлмас.* Мақол. ▬ *Ғийбатчиларнинг мавзулари Аҳмад махдумнинг «жодугарлиги» ва «сеҳрбозлиги» эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ҳасадгўй ва ғийбатчи ўзи тайёрлаган ғийбат ботқоғига ўзи ботиб қолади, деб айтган халқимиз.* Н. Валиева, Ҳасад қилманг.

ҒИЙТ *тақл. с.* Ёғоч, темир каби нарсаларнинг ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Дарвоза ғийт этиб очилди.* ▬ *Ичкари эшикнинг ғийт этиб секингина очилганини эшитди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҒИЙТИЛЛАМОҚ «Ғийт-ғийт» товуш чиқармоқ, «ғийт-ғийт» қилмоқ, «ғийт» этмоқ. *Кўча эшик ғийтиллаб очилди, қўлига сирли сопол кўза тутган қизча қадамларини авайлаб босиб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҒИЙЧ *айн.* **ғийт.** *Эшик олдин аста-аста тақиллади, кейин ғийч этиб очилди.* Ҳ. Зиёхонова, Қишлоқи.

ҒИЙҚ *айн.* **ғийт.** *Қоронғида эшикнинг ғийқ этиб очилгани эшитилди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Машина шитоб билан келиб, «ғийқ» этиб тўхтади.* О. Ҳусанов, Миннат. *Омон тўсатдан ўзини орқага ташлаб, «ғийқ» деган овоз чиқарди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒИЙҚИЛЛАМОҚ «Ғийқ» этган овоз чиқармоқ; «ғийт» этмоқ, ғийтилламоқ. *Эски эшик бир неча бор очилиб-ёпилди. Ҳар сафар очилиб-ёпилганда, озор чекаётгандай ҳазин ғийқиллайди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Ғийқиллаб бораётган арава устида теварагиуфққа туташган чўлни томоша қилиб бораман.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Роса бир соат бўлди Хадрадан йўлни бошлаб, Муюлишдан трамвай ғийқиллаб ўтганига.* Ғ. Ғулом.

ҒИЛАЙ Қараганда кўз қорачиқлари бир томонга йўналмайдиган, тўғрига қарай олмайдиган, кўз соққаси қийшиқ ўрнашган. *Ғилай бола. Ғилай кўз. Бир кўзи ғилай. Кўзини ғилай қилмоқ.* ▬ *Кўз олдида «гўштингни бурдалайман!» деб кўзини ола-кула қилиб турган ўгай она ва унинг қариндоши – ғилай хотин турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ғилай кўзни тўғрилайдиган даволардан бири кўзойнакдир.* «Фан ва турмуш».

Ғилай бўлмоқ *айн.* **ғилайланмоқ.** *..ютқазган чоғларида дарғазаб кўзлари ғилай бўлиб кетарди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. **Ғилай қарамоқ** Ёмон муносабатда бўлмоқ; ёқтирмаслик. *Теримга келганда ким ёмон – Йигиталининг машинаси ёмон. Шу борада неча карра ўртага тушиб, терлаб чиқса ҳам, кузга келганда, [Сафарбаров] машинага ғилай қарайди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ҒИЛАЙЛАНМОҚ Ғилай ҳолатли бўлмоқ. *Кўзлари ғилайланиб қолган икки киши гандираклаб кириб келаётган эди, контролёр уларни тўхтатди.* «Муштум».

ҒИЛАЙЛАШМОҚ *қ.* **ғилайланмоқ.** *У оғзини катта-катта очиб.. кўзлари сузилиб, ғилайлашиб кетарди.* «Шарқ юлдузи».

ҒИЛАЙЛИК Кўз соққасининг қийшиқ ўрнашуви: бунда бир кўз қорачиғи кўрилаётган нарсага қараган, иккинчиси эса ўша нарсадан чакка ёки бурун томонга оғган бўлади. Баъзан иккала кўз қорачиғи бурун ёки чакка томонга оғади.

ҒИЛДИРАК 1 Арава, машина ёки бирор механизмнинг юриши, ҳаракат қилиши учун хизмат қиладиган, ўққа ўрнатилган, айланадиган, доира шаклли қисми. *Арава ғилдираги. Автомобиль ғилдираги.* ▬ *Сал алахсисанг, универсалнинг тишли ғилдираги тагида қолиб кетасан.* М. Мансуров, Ёмби. *Мана, кичик телескопга ўхшаш асбобнинг*

ғилдираклари ҳаракатга келди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

Тарих (*ёки* **тараққиёт**) **ғилдираги** Тарихий тараққиёт жараёни. *Гитлерчилар қонуний тараққиёт ғилдирагини орқага айлантириб юбормоқчи бўлган эдилар.* Газетадан. *Тарих ғилдираги айланар изда, Халқлар курашади келажак учун.* Р. Бобожон.

2 Ғилдиракка ўхшаш, айлана шаклли. *Тип-тиниқ ғилдирак ойначаси бор, Ойнакка тўғри тик туйнукчаси бор.* Қ. Муҳаммадий.

ҒИЛДИРАКЛИ Ғилдираги бор, ғилдирак ўрнатилган. *Икки ғилдиракли арава. Уч ғилдиракли велосипед.* ▬ *Янгликда пахта ташийдиган ўн ғилдиракли юк машиналари қаторлашиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Сўрини кўтариб турган ана шу арқон ундан ҳам тепароқдаги ғилдиракли блок орқали ҳаракатга келади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ҒИЛДИРАКСОЗ Ғилдирак ясовчи уста.

ҒИЛДИРАКСОЗЛИК Ғилдирак ясаш билан шуғулланиш. *Ғилдираксозликни ўрганмоқ.* ▬ *Ишчилар.. гудокни эшитиб, мастерскойга, ғилдираксозлик цехига йиғила бошладилар.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ҒИЛДИРАКЧА Кичик ғилдирак ёки ғилдирак шаклли майда деталлар. *Соат ичидаги ғилдиракчалар.*

ҒИЛДИРАМОҚ Айланма ҳаракат қилиб юриб кетмоқ (ғилдирак ёки доира шаклли нарсалар ҳақида). *Танга қўлимдан тушиб, ғилдираб кетди.* ▬ *Карим кичкинагина, бўйига нисбатан анча семиз, думалоқ, юрганда ғилдираб кетаётганга ўхшайди.* А. Эшонов, Ҳаётга қайтиш.

ҒИЛДИРЛАМОҚ *с. т.* **1** Ғилдирамоқ.

2 *кўчма* Айланмоқ, айланиб юрмоқ; парвона бўлмоқ. *Теварагида ғилдирлаб юрган Зайнабнинг уйига кира бериш учун [Отабек] Кумушнинг мулоҳазасини қилар [эди].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒИЛМОН [*а.* غلمان – «ғулом» с. нинг кўпл.: болалар, йигитлар; хизматкорлар] **1** *дин.* Жаннатда хизмат қиладиган ёш гўзал йигит.

2 *кўчма с.т.* Гўзал қиз, аёл; пари. *Ҳузур кўриб ғилмонларни қучганлар, Бекларим, жонингга қурбон бўлайин.* «Юсуф ва Аҳмад».

ҒИЛОФ [*а.* غلاف – хатжилд; қоплама; қобиқ, пўстлоқ] **1** Буюмни ташқи шикастдан сақлаш учун солиб қўйиладиган, шу буюм шаклига мослаб тайёрланган махсус жилд, қути, қин. *Кўзойнак ғилофи. Милтиқ ғилофи. Кўрпанинг ғилофи. Ғижжакнинг ғилофи. Ғилофга солмоқ.* ▬ *Бўронбой ғилофнинг боғичини ечиб, дуторни олди, торларини черта-черта, узоқ созлади.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Мен киришим билан Расулов оқ сурпдан ғилоф кийгизилган креслосини орқага суриб, ўрнидан турди, кабинетнинг ярмига келиб кўришди.* Р. Файзий, Сувчи. *Шарофат хола деразадан қараса, эшик тагида бир машина йигит-қизлар. Елкаларида рюкзак, кузовда ғилоф кийгизилган жуфт-жуфт чанғилар.* А. Мухтор, Чинор.

2 *кўчма кам қўлл. қ.* **маска 1.** *Туҳматчининг тоши ёмон, Ғийбатчининг – ғилофи.* Мақол.

ҒИЛОФЛАМОҚ Нарсага, буюмга ғилоф қопламоқ, ғилофга солмоқ. *Кўрпани ғилофламоқ.*

ҒИЛОФЛИ Ғилофланган, ғилофи бор. *Ғилофли рубоб. Ғилофли қилич.* ▬ *У [Хонқози] белидаги ёғоч ғилофли маузер тўппончани кўз-кўз қилиб кўрсатди, кейин белидан чиқариб, хонтахта четига қўйди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *-Ма, сув ичиб ол.. – сержант ғилофли сувдонини камаридан олиб тутди.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

ҒИЛОФЧИ Ғилоф тайёрловчи уста.

ҒИЛТ *тақл. с.* Суюқликни ютаётганда, томоқда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Сувни ғилт этиб ютмоқ.*

Кўзига ғилт ёш олди (*ёки* **келди**) Кўзи ёшга тўлди. *Жамила гапини интизорлик билан кутаётган мастерига жавдираб қаради-ю, гапириш ўрнига кўзларига ғилт ёш келди.* М. Жалолиддинова, Диллар дилларга пайванд.

ҒИЛТИЛЛАМОҚ 1 Жавдираб, ялинган, ялингансимон ҳолатли бўлмоқ. *«Яна қуясизми?» дегандай.. хўжайинига ғилтиллаб қараб қўярди.* К. Яшин, Ҳамза. *«Раисларга маза». Кўзлари ҳасаддан ғилтиллади.* С. Нуров, Нарвон.

2 Йилт-йилт, мўлт-мўлт қилмоқ (кўз ёши ҳақида). *Қизча бўлса, ғилтиллаб турган ёшларини дув тўкиб, яна кўзини очди.* Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ. *Отамурод, она кўзларида ғилтиллаган ёшни кўрган заҳотиёқ, бу ишнинг битмаслигини сезди.* М. Мансуров, Ёмби. *Унинг ўзига ҳам,*

Сатторга ҳам раҳми келиб, кўзларида бирдан ёш ғилтиллади. П. Қодиров, Эрк.

ҒИЛҚ *айн.* **ғилт**.

ҒИЛҚИЛЛАМОҚ 1 *айн.* **қулқулламоқ**.

2 *айн.* **ғилтилламоқ 2.** *Турғунбой кўзида ғилқиллаб турган ёшини дув тўкди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҒИМИЛЛАМОҚ *с. т.* Ғимирламоқ. *Аҳмаджон ошпазнинг ёнида ғимиллаб юрган эди, ичкаридан дадасининг овозини эшитиб: -Лаббай, дадажон! — деб уйга кирди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ҒИМИРЛАМОҚ 1 Давомли тарзда секин-секин, сезилар-сезилмас ҳаракат қилмоқ, қимирлаб ҳаракатланмоқ (одатда кўп ва майда жониворлар ҳақида). *Чумолилар ғимирлаб юрибди.* ▬ *Пайкалда икки нуқта ғимирлаб юрарди.* С. Нуров, Нарвон. *Раҳматов ётган жойида бир-икки асабий ғимирлаб қўйди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Енгил-елпи, майда иш-юмушлар билан машғул бўлмоқ, куйманмоқ. *Самоварчи чол, тун ярмидан оғган бўлса ҳам, ғимирлаб юрган эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҒИМИРСИЛАМОҚ *айн.* **ғимирсимоқ.** *[Қодирали] Ғимирсилаб юриб, кунни аранг кеч қилди.* С. Сиёев, Чархпалак. *[Кампир] Гоҳ молхонада, гоҳ ошхонада ғимирсилаб юрганлари-юрган.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ҒИМИРСИМОҚ *айн.* **ғимирламоқ 2.** *Ошхонада ғимирсиб юрган Рисолат укасининг олдига бир чойнак чой келтириб, ўзи ҳам ёнига ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Алижон Тошкентга елдек етиб келди. Уйга кириб, онасининг соғ экани, илгаридай ғимирсиб юрганини кўриб қувонди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ҒИМИРЧИЛАМОҚ: ичи ғимирчиламоқ Бирор иш-ҳаракат қилиш пайига тушмоқ, ғайрати қўзимоқ. *Қашқарлик қаландарларнинг хонишини эшитиб, менинг ҳам ичим ғимирчилаб қолди.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

ҒИМИР-ҒИМИР *тақл. с.* Сезилар-сезилмас тарздаги қимирлаш, шарпани билдиради. *Эшик олдида ғимир-ғимир ҳаракат бошланди.* «Ёшлик».

Ғимир-ғимир қилмоқ *айн.* **ғимирламоқ**. *Кунлар исиб, қурт-қумурсқалар ҳам ғимир-ғимир қилиб қолди.* ▬ *Одамлар, скреперлар, бульдозерлар ғимир-ғимир қилади.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ҒИНГ *тақл. с.* Пашша, ари каби қанотли ҳашаротларнинг учгандаги овозини билдиради. *Пашша «ғинг» деса эшитиладиган жимжит ҳовли.* Ойбек, О. в. шабадалар.

Ғинг демоқ Бирор ортиқча гап гапирмоқ, эътирозли гап қилмоқ. *Агар бирор жойда ғинг десанг, ўзингдан кўравер..* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ҳамманинг энсасини қотирадиган гапларни эшитиб, ғинг демай туриш лозимми?* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Марат унга ғинг дегани йўқ, албатта. Аммо иягини кўтариб қўйди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ҒИНГИЛЛАМОҚ *айн.* **ғинғилламоқ**.

ҒИНГШИМОҚ 1 Увлаш, вовуллашдан кўра инграшга яқинроқ товуш чиқармоқ. *Олапар Болтабойга чиноқ қулоқларини қисиб суйканди-да, ғингшиб қўйди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Тумшуғини олдинги оёқларига қўйиб ётган ит эринибгина ғингшиди, сўнг бирдан хуруж билан вовуллашга тушди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Маъносиз ёки маъносини илғаб бўлмайдиган товушлар чиқармоқ. *Уйқуга қонмаган қизча эса инжиқланиб, бувисининг оёғига суйкалган кўйи ғингшимоқда эди.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Чойгум тарақ-туруқ қилиб, тун сукунатини бузиб юборди. Ўз каравотида ётган Зоиржон ғингшиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 *кўчма салб.* Зорланувчи, нолиш билдирувчи ёқимсиз, бўлмағур гаплар қилмоқ. *Машаққатли юришлардан зериккан хотини ғингшийвериб, доим унинг жонига тегар, кўзига дунёни қоронғи қиларди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Али маҳрам билан анави валиаҳд ўғли то ҳануз, Авазга бекор раҳм қилдингиз, энди бизни бадтар мазахлайди, деб юрибди экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҒИНШИМОҚ *айн.* **ғингшимоқ**. *Бешикдаги Учқун уйдаги ҳаракатни сезиб, овозларни эшитиб, ҳадеганда ухлай бермади, ғиншийберди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҒИНҒИЛЛАМОҚ 1 «Ғинғ-ғинғ» овоз чиқармоқ (пашша, ари, қўнғизлар ҳақида). *Бошини кўтарди: кўм-кўк осмонда беда ҳиди анқийди, асаларилар ғинғиллайди..* С. Нуров, Нарвон. *..бир хил йилтироқ пашша бор, у баъзида бақанинг тумшуғига яқин келиб, ғинғиллаб уча беради.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Сўзларни тушунарсиз тарзда, паст овоз билан айтмоқ; шу тарзда гапирмоқ, хиргойи қилмоқ. *Бобо, сўроғимга жавоб бериш ўрнига, отига қамчи урди, нимадир деб ғинғиллагач, сўнг деди: -Йўл азоби, хўбам чарчагандирсан.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Столини чертиб, ғинғиллаб ўтирган Ҳайит Ҳамидовнинг хиргойиси бир йигит кириши билан тўхтади.* «Муштум».

3 *кўчма айн.* **ғингшимоқ 3.** *Гоҳо хотини ғинғиллаб қолса, болаларини қўшниларга ташлаб, кинога бориб келишади.* «Ёшлик». *Унинг Шўродан айнамаслиги ўша лагердаёқ кўриниб турган эди, бирон марта ғинг дегани йўқ. Аксинча, унча-мунча ғинғиллаганни оғзига уриб юрди..* Шуҳрат, Олтин зангламас.

ҒИНҒИРЛАМОҚ *айн.* **ғинғилламоқ**. *Элмуроднинг бир текис ғинғирлаган овози ёқимли нағмадай ҳамманинг эс-ҳушини қамраб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҒИНҒИР-ҒИНҒИР: ғинғир-ғинғир қилмоқ Англаб бўлмас даражада, ноаниқ қилиб гапирмоқ, эшитилар-эшитилмас гапирмоқ, ғинғилламоқ. *Ғирғир-ғинғир қилмай, аниқроқ гапирсанг-чи!*

ҒИНҒ-ҒИНҒ: ғинғ-ғинғ қилмоқ *айн.* **ғинғилламоқ**.

ҒИП: ғип бўғмоқ Қаттиқ бўғиб олмоқ. *-Ҳой, менга қара! — деди у [Ўғилой хола] бурун катаклари пирпираб, — Ёқангдан ғип бўғиб, зўравонлик қилаётганда, деразадан кўриб турганман.* О. Ёқубов, Ларза. *[Маҳмуда] Эрининг тўзғиган сочларига тикилиб ўтирибди-ю, лекин негадир ичидагини тўкиб солишдан ҳайиқяпти. Бу ҳайиқиш алами эса томоғини ғип бўғмоқда гўё!* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒИППА: ғиппа бўғмоқ *айн.* **ғип бўғмоқ** *қ.* **ғип**. *Мадали Қосимов расмга бирпас тикилиб, индамай ўрнидан турди-да, қандайдир шўх куйни вағиллаб янгратаётган радиони ғиппа бўғгандай ўчирди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҒИР *тақл. с.* Нарсанинг тез айланиши ёки тез ҳаракат қилиши туфайли ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Мотор парраги бир ғир этди-ю, тўхтади.*

Ғир этиб Тезлик билан, бир лаҳзада, дарров. *Вақт ғир этиб ўтиб кетади.* ▬ *Поездга билет олинган куни Мастура хола яна кўз ёши қилди: -Ғир этиб келдинг-у, ғир этиб кетяпсан-а, онам?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Ғир этган шамол** (*ёки* **шабада) йўқ** Озгина ҳам шамол йўқ, шамол бутунлай йўқ. *Саратоннинг жимжит, зимзиё кечаси. Ҳаво дим. Ғир этган шабада йўқ.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ҒИРА-ШИРА 1 Эрта тонг ёки шомда нарсалар аниқ кўринмайдиган пайт; ҳавонинг эрта тонгда ёришиб келаётган, кеч-қурун қоронғилашаётган ҳолати; ёруғлик ёки қоронғиликнинг кучсиз ҳолати. *Ғира-шира ёруғ. Ғира-шира қоронғи. Ғира-шира хона. Ғира-шира пайт.* ▬ *Эъзозхон бугун уйдан ҳар кунгидан эртароқ — тонг ғира-ширасида, нонушта қилмасданоқ чиқди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Ҳозир ғира-ширада уларни бир-биридан ажратиш қийин.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ғира-шира кўчалар, гузарларда қандайдир қора соялар.. кўзга чалинарди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 Нарсанинг кўриш ёки тасаввурдаги аниқ-равшан бўлмаган, хира аксини билдиради. *Гавҳар унинг қоронғида ғира-шира кўриниб турган меҳрибон чеҳрасидан бу сафар ҳам илтимосини ерда қолдиролмаганини тушунди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёшлик! Бу йилларда ҳаётингизда бўлиб ўтган воқеалар тушда кўргандай ғира-шира эсда сақланади.* С. Кароматов, Лирика бастакори. *Ёш палламда дадам, аям билан бирга шаҳардаги ҳовлимизга келганим ғира-шира ёдимда.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҒИРВАЙМОҚ *айн.* **ғирмаймоқ**.

ҒИРИЛЛАМОҚ 1 Тез айланиш, ҳаракат ёки бошқа сабаб туфайли «ғир-ғир» этган товуш чиқармоқ; пирилламоқ. *Машиналар ғириллаб, Саҳифалаб беради. Бир ёқдан корректорлар Солиштириб кўради.* Қ. Муҳаммадий. *Радиокарнай ғириллаб туриб, бирдан гапира бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 «Ғир-ғир» эсмоқ, тез елмоқ (шамол, изғирин ҳақида). *Жанубдан ғириллаб шамол эсарди.* ▬ *-Тақсир! — Ҳасан сўфи хитоб қилди. — Сиз салқинда, ғириллаган шабадада кўк чой ичиб, маза қилиб ўтирибсиз!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кун совуқ, араванинг устида ғириллаб турган изғирин юзларни ялайди.* Ойдин, Фонарь тагида.

3 *айн.* **ғизилламоқ 2.** *Акром ака, тайёрини сотиб ола қолсак бўлмайдими, ғириллаб олиб келаман.* «Муштум». *Хатни ўқиб, қизиқиб қолдик. Эртасигаёқ оёқни қўлга олиб, ўша*

томонга ғирилладик. «Муштум». *Ўғли Фозил ҳам дадасининг савдо-сотиғи билан бозорга ғириллайдиган бўлиб қолди.* С. Зуннунова, Олов.

Нон деганда, кесак ғириллаган (ғириллайдиган) *ёки* **нон деганда, кесак ғириллайди** Турмуш шароитининг жуда оғирлигини билдиради. *Нон деганда кесак ғириллаган замонлар кишилар эсидан чиқди.. Ҳаёт яхши бўлиб қолди.* Шуҳрат, Умр поғоналари. *Азбаройи худо, шу хумсангиз эшигида кушод икки ой бўйнимни эгиб, нон деганимда, кесак ғириллайдиган бўлди.* А. Қодирий, Кичик ҳикоялар.

ҒИРИНГ: ғиринг демоқ *айн.* **ғинг демоқ** *қ.* **ғинг**. *-Зеби опа, ҳалиги яна ғиринг деганда, дабдаласини чиқариб, ўша ерга кўмиб келар эдик-да, — деди кимдир Адолатнинг орқасида.* С. Зуннунова, Гулхан. *Аямасдан ишга босинглар, ғиринг демайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У киши нима гапирсалар, тўғрими, нотўғрими, ғиринг демасдан бажарардик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҒИРИНГЛАМОҚ Бирор нарсадан жонга тегар даржада нолийвермоқ, ҳасрат қилавериб ёки кераксиз гапларни гапиравериб тўйдирмоқ; ғинғилламоқ, ғингшимоқ.

ҒИРИНГ-ПИРИНГ 1: ғиринг-пиринг демоқ *айн.* **ғиринг демоқ** *қ.* **ғиринг.** *«Ғиринг-пиринг» десалар, тушунтираман деб, гап сотиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 *айн.* Нолиш, зорланиш билдирувчи бўлмағур гап-сўз; ҳасрат. *Ғиринг-пиринг қилмоқ.* ▬ *Ғулом ака серхархаша хотинининг ғиринг-пирингига ўрганиб қолганидан унча-мунчасини терисига юқтирмайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒИРИНГ-ҒИРИНГ *айн.* **ғиринг-пиринг**. *[Умурзоқ:] Шўринг қурсин-да, хотин.. ғиринг-ғиринг қиласан, на гапингнинг ипи бор, на боғичи.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҒИРМАЙМОҚ Кўзни қисиб, қийшиқ қарамоқ; шиғраймоқ. *-Ёки ўйинни дуранг қилмоқчимисан? — ғирмайди у [Маннон].* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒИРРА «Ғир» этиб, дарров, бир онда. *Тўй ўтгандан кейин Умид машинада шошиб келиб, болохона ҳужрасидан у-бусини олиб.. яна профессор машинасида ғирра жўнаб кетди.* Мирмуҳсин, Умид. *Хотини хуржунга қоракўл тери эмас, пўстак солибди. Ҳеч нарса демади, ғирра изига қайтди.* А. Ҳасанов, Чироқлар.

ҒИРРОМ 1 Иш, ҳаётда ҳалоллик, покликка риоя қилмайдиган, унга зид иш юритувчи; нопок, муттаҳам. *Яхши ишласангиз, бас, ака-ука бўлиб кетамиз. Лекин, айтиб қўяй, ғирромларга тобим йўқ.* Э. Носиров, Топширилмаган совға. *..кичик хўжайинлар базани хомталашга олганлар. Қайси бирлари олғирроқ ва ғирромроқ бўлса, шуниси кўпроқ кўтарган.* Х. Тўхтабоев, Қалпоқ йиртилди. *Етук олим бўлишни истаган одам ҳаром ва ғирром йўлга кирмаслиги керак.* Газетадан.

2 Ўйин, мусобақа, беллашувда тартиб-қоидага зид йўл тутувчи; ҳалолликка риоя қилмайдиган, нотанти. *Шахматнинг яна бир зарари шуки, агар ғирром одам билан ўйнасангиз, асабингиз бузилади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бел олишганда кураш майдонида, Ғиррому нотанти полвон чаладир.* Ҳабибий.

3 Ўзбек кураши атамаларидан бири: беллашув пайтида катта хатога йўл қўйган ёки такрор қўполлик қилган курашчига охирги огоҳлантириш сифатида қўлланади.

ҒИРРОМЛИК Ғирромга хос иш тутиш (**ғирром** — ҳар икки маъносида). *Ҳа, энг хавфли, энг даҳшатли нарса — ғирромликка, қинғир ишга биринчи қадам қўйиш.* Газетадан. *Ўзи ўлгудай тўғрисўз, ғирромлик, қувликни билмасди.* Мирмуҳсин, Умид. *Мактабда танаффус вақтлари шашка ёки волейболда ғирромлик, ўйинбузуқилик қилардди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҒИРРОМЧИЛИК *с.т.* Ғирромлик. *Кони алдамчилик, ғирромчилик экан уларнинг иши.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ҒИРТ I **1** Белгининг кучли даражасини қайд этади, кучайтирув билдиради (одатда салбий белгиларга нисбатан қўлланади). *Ғирт аҳмоқ. Ғирт саводсиз. Ғирт маст. Ғирт нодон. Ғирт хом.* ▬ *Биттаси Аввалбек бўлса, у — ғирт пиёниста..* М. М. Дўст, Лолазор. *Ғирт омиман, бизга ўқиш қайда..* Ойбек, Нур қидириб.

2 Отлар билан ва айрим даражаланмайдиган сўзлар билан қўлланиб, шу сўз англатган нарса, ҳолатнинг шахс ёки предметга тўлалигича, бутунлай дахлдорлиги, оидлиги маъносини билдиради; бутунлай, турган-битгани. *Ғирт туҳмат. Ғирт расмиятчилик.* ▬ *Исириқ тутатишни хуро-*

фот дейишнинг ўзи ғирт хурофот экан. «Фан ва турмуш». *Хафа бўлманг-у, почча, аммо ғирт афанди экансиз.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Илгари бу жойлар ғирт тўқайзор, одам йўқ эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Умид учинчи синфга ўтганида, адаси ҳам тўсатдан ўлиб қолди.. у ғирт етим бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҒИРТ II *тақл. с.* Кесиш, узиш ёки ишқаланишдан ҳосил бўладиган кескин товушни билдиради. *Эшик ғирт этиб очилди.*

ҒИРТИЛЛАМОҚ «Ғирт» этган товуш чиқармоқ. *Эшик ғиртиллаб очилди.*

ҒИРЧ *айн.* **ғирт** II. *Ғирч этмоқ.* ▬ *[Нодиржон] Ҳафсала билан қўл қўйиб, аризани икки буклаб ушлаб, ўрнидан турган эди, эшик ғирч этиб очилиб, Розиқвой кирди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ҒИРЧИЛЛАМА «Ғирч-ғирч» товуш чиқарадиган, ғичиллайдиган. *Ғирчиллама этик.* ▬ *Ер юзига оппоқ гилам тўшалган: оёқларингиз остида ғирчиллама қор.* Т. Мирҳодиев, Илк ёғдулар.

ҒИРЧИЛЛАМОҚ «Ғирч-ғирч» этган товуш чиқармоқ, ғичирламоқ. *Эшик ғирчиллаб ёпилди.* ▬ *Секин эринмасдан ёғаётган лайлак қор Адолатнинг оёқлари остида амиркон маҳси-кавушдек ғирчиллайди.* С. Зуннунова, Гулхан. *-Ҳўп, бўлмаса.. — деди-ю, протез оёқлари ғирчиллаб, нари кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

ҒИРЧЧА Нуқул, турган-битгани, ғарчча. *Ғирчча мой.* ▬ *[Эшонхон:] Аввало, оқсоч қанд-қурс, ёғлиқ патир, қулинг ўргилсин ғирчча думбали сомсаларни тўкиб ташлайди дастурхонга.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҒИР-ҒИР 1 Ғир с. такр. *Ғир-ғир қилиб лента узилди. Ғир-ғир шабада.* ▬ *-Менинг отам бўлса дугчи, қашшоқки, у ёғи йўқ. Саҳардан шомга қадар жомеда ғир-ғир дуг тортади, — деди Зумрад Гуласалга.* Ойбек, Улуғ йўл. *Қирларда ҳали мол оғзи тегмаган ўсиқ ўтлар ғир-ғир эсган шамолда бешикдай тебранади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тез-тез, ғир этиб, ғизиллаб. *Катта кўчадан енгил машиналар, трамвайлар ғир-ғир ўтиб турибди.* С. Акбаров, Отанинг хаёллари. *Ғира-шира тонгда қишлоқда қизғин ҳаракат бошланиб кетди.. Машиналар, темир бочкалар ва қоп-кажов ортилган автомобиль, аравалар ғир-ғир ўтмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҒИРҒИРАК *шв.* Бизбизак.

ҒИРҒИРАКИ *шв.* Сийрак тўқилган дока, шаша.

ҒИТ *айн.* **ғийт**. *Бир оздан кейин автомобиль гувуллаганича қайтиб келди ва аста бурилди-да, ғит этиб тўхтади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҒИТИЛЛАМОҚ «Ғит» этган овоз чиқармоқ, ғийтилламоқ. *[Фуод афанди] Эшикнинг ғитиллаб очилганини эшитиб, қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҒИЧИЛЛАМОҚ *айн.* **ғижирламоқ**. *[Ориф ака] «Нима қилиб ўтирибман!» деб ғазабли алам билан ўрнидан турганида, кўча эшиги ғичиллади.* А. Мухтор, Чинор.

ҒИЧИР *айн.* **ғирч**. *Ғичир этмоқ.*

ҒИЧИРЛАМОҚ *айн.* **ғирчилламоқ**. *Полвон билан иккимиз яқинимиздаги бир ҳовлининг эшигини зўр бериб итара бошладик, эшик ғичирлаб, қирсиллай бошлаган эди.. ичкаридан қути ўчган кекса бир кишининг овози эшитилди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ҒИЧ-ҒИЧ *айн.* **ғиж-ғиж**. *-Меҳтарнинг томоғи мойланмаган арава ғилдирагидек ғич-ғич қиляпти, — деди Бойбур.* М. Осим, Элчилар. *Тепада чумчуқлар ғич-ғич уя қуришган.* Ойбек, Болалик.

ҒИША Қамишга ўхшаб ўсадиган, аммо поясининг ичи ғовак бўлмайдиган ўсимлик; савағич. *Ғиша — савағич, қамишга қараганда у бошқача ўсади. Қамиш бир-бирига туташиб, тўқай бўлиб кетса, савағич худди садага ўхшаб, ҳар ер-ҳар ердан тўп-тўп қайнаб чиқади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҒИШАВА [*а.* غشاوه — ёпинчиқ, парда; кўзнинг хиралашуви, шабкўрлик] *шв.* Қайсарлик ёки инжиқлик билан қилинадиган жанжал, херхаша. *Унга ёнидаги улфатларининг дабдурустдан бошланиб кетадиган ғишавасини томоша қилиш, кўк чой ичиб роҳатланиш — ғанимат.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *Боягина эрини ундан қизғаниб, ғишава қилиб турган хотин кўз очиб-юмгунча бошқа қиёфага кирди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ҒИШАВАЧИ *шв.* Ғишава қилувчи, қайсарлик билан арзир-арзимас нарсага жанжал қилувчи. *Ғишавачи бола.*

ҒИШАЗОР Ғиша билан қопланган, ғиша ўсиб ётган майдон. *Аравалар неча жойда ботиб, чакалакзор ва ғишазорларни*

оралаб, ниҳоят, бир қишлоққа етиб келишди. Газетадан.

ҒИШТ [*ф.* خشت – ғишт] Қолип ёрдамида лойдан тўртбурчак шаклида қуйиладиган қурилиш материали. *Хом ғишт. Ғишт қуймоқ. Ғишт термоқ. Қолипсиз ғишт битмас, режасиз иш битмас.* Мақол. ▬ *Атрофимдаги иморатларнинг кўпи пишиқ ғиштдан, баъзилари хом ғиштдан бўлса ҳам, кўкракдор қилиб солинган..* Шукрулло, Сайланма. *Бердибой яхши бир нонвой.. ўртача арракаш, ғишт терувчи эди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Ғишт қолип(и)дан кўчди Фурсат ўтди, бўлар иш бўлди. *Энди ғишт қолипдан кўчган эди. Сайёра муросага келди. Исмоилнинг алимент тўлашини сир тутди.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш. **Гўрига ғишт қаламоқ** *қ.* **гўр**.

ҒИШТИН [*ф.* خشتين – ғиштдан қилинган, қурилган] **1** Ғишт билан ишланган, қурилган. *Дўнгликдан кейин ҳеч қанча юрмай, ғиштин уйлар бошланиб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Терак бўйи келадиган ғиштин девор жуда энли эди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Узун ғиштин йўлка дарвозахонадан бошланиб, чорбоғни тикка кесиб ўтади.* Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.

2 Қарта ўйинида: қартанинг ғиштсимон қизил холлари бўлган хили. *Ғиштин моткаси. Ўнлик ғиштин.*

ҒИШТЛИ *айн.* **ғиштин**. *Қамариддин ғиштли уйнинг иккинчи қаватида турарди.* «Ёшлик».

ҒИШТЧИ 1 Ғишт қуювчи.

2 Ғишт терувчи уста. *Энди тошларни хуржунда ва этакда ташиб етказишга ҳам сабрлари чидамади, худди мактаб қурилишидаги ғиштчиларга ўхшаб, қўлдан қўлга ирғита бошлашди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҒИШҒИША Хархаша. *У оёқ учи билан юриб, иккинчи уйга кирди. Болалар уйғонмасин дебми ёки Лаълихоннинг ғишғишасидан қўрқибми, астагина ечинди-да, ўз каравотига келиб ётди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

ҒИҚ *тақл. с.* **1** Томоққа бирор нарса тиқилганда, бўғилганда, нафас олиш қийин бўлганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Бемор ўқтин-ўқтин ғиқ этган товуш чиқарди.*

Ғиқ этмаслик (*ёки* **демаслик**) 1) бирор овоз чиқармаслик, индамаслик. *Айвон тўла хотин, ҳаммаси оқ дока рўмолни бир юзига тушириб, ғиқ этмай ўтиришибди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) эътироз билдирмаслик, қаршилик қилмаслик, ғиринг этмаслик. *Ҳозир ҳам ич-ичидан норозилик босиб келганига қарамай, ғиқ эта олмади.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *айн.* **ғийт**. *Эшик ғиқ этиб очилди. Машина ғиқ этиб тўхтади.*

ҒИҚИЛЛАМОҚ «Ғиқ-ғиқ» этган товуш чиқармоқ. *Шамол кескин гувуллар, қари қайрағочлар ҳазин ғиқиллар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ташқарида мотоциклнинг ғиқиллаб тўхтагани, сўнгра кимнингдир югуриб келаётгани эшитилди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

ҒОВ I **1** Бирор томонга ўтиш, кириш учун имкон бермайдиган қурилма, тўсиқ. *Аҳён-аҳён атрофи ғов билан қуршалган қўралар, четанли чорбоғ, ертўла янглиғ кулбалар ҳамон сақланиб турганини кўриб ҳайрон қоласиз.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бир учига арқон боғланган ёғоч – кўтарма ғовни тушириб, йўлни тўсди.* С. Нуров, Нарвон. *Юк вагонларининг ҳайҳотдай очиқ эшикларидаги ғовлар сурилиб, юзлари иссиқдан қорайган аскарлар пастга сакраб туша бошладилар.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 *спрт.* Куч синаш машқлари ўтказиладиган тўсиқ. *Маррага боргунингча Ўн бир ғовдан сакрайсан.* З. Диёр.

3 *кўчма* Бирор иш-фаолият, ривожланиш, истак ва ш.к. йўлидаги тўсиқ, қаршилик, тўғоноқ. *Ташаббусни ривожлантириш йўлидаги барча ғовларни олиб ташлашни.. қатъиян талаб этдилар.* Газетадан. *Ҳақиқий муҳаббат олдида ҳеч қандай ғов дош беролмаслигига ишонтиришим керак эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

Ғов бўлмоқ Қарши турмоқ, монелик қилмоқ, тўғоноқ бўлмоқ. *Жамият ижтимоий-маънавий тараққиётига ғов бўлиб турган хилма-хил иллатлар дадил фош этилган.* М. М. Дўст, Лолазор. *..айрим нопок шахсларнинг қинғир ишларига ғов бўлганим учун «ақлимни киритиб қўйишмоқчи» бўлишгани фош этилди.* «Муштум». *Лекин Гулчеҳра Султон билан Дилбар ўртасида ғов бўлишни сира-сира истамас эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҒОВ II *кам қўлл.* Ички бўш; ғовак. *-Секинроқ, тош бор дедим-ку, ғов калла, — деган овоз эшитилди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ҒОВАК 1 Ичи бўш; ковак-ковак, ғалвирак. *Ғовак ёғоч. Ғовак тоғ жинси. Металлнинг ғовак жойлари. Қамиш поясининг ичи ғовак бўлади.* ▬ *Бўз ер-да, неча минг йиллардан бери кўксидан сув думаламаган ғовак ер — сув босиши билан чўкиб, халқоб бўлиб қола бошлайди.* Ш. Ғуломов, Бахт бўстонига. *Тоғда юриб, анча тажриба орттирган Тўрақул қор ғовак бўлиб турган жойларни четлаб ўтарди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 *кўчма* Ичи, замини бўш. *Тошкентнинг ҳокими.. Шаҳарни сўраган Ўрдада туриб. Лекин ғовак экан қалъа негизи, Девор ҳам, давлат ҳам қулаган чириб.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

ҒОВЛАМОҚ 1 Ҳосили яхши бўлмай, ўсиши кучаймоқ; ортиқ даражада бўйига ўсмоқ. *Сал эҳтиётсизликка йўл қўйсак, ғўза ғовлаб, ҳосилни бой бериб қўйишимиз турган гап.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шундай ҳоллар бўладики, экин уч марта ва ундан кўпроқ озиқлантирилади, лекин у ғовламайди, ҳосили мўл, ғўзапояси нормал бўлади.* Газетадан.

2 *кўчма* Авжланмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ (одатда, салбий нарса-ҳодисаларга нисбатан қўлланади). *Кибр-ҳавоси ғовлаб кетган терговчи бошини кўтариб, «хўш?» дейишни ҳам эп кўрмади.* В. Маҳкамов, Ҳам айланиб, ҳам ўргилиб. *Болалигидан бошқалардан ажралиб туришга интилиш балоғатга етган сари ғовлаб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Бўлса — бўлар, бўлмаса — ғовлаб кетар «Нима бўлса бўлар» деган маъноли, эътиборсизлик, лоқайдликни қайд этувчи ибора. *Бу том ва деворлар узоқдан гўё бирон ҳафсаласиз одам «бўлса — бўлар, бўлмаса — ғовлаб кетар» қабилидан қилиб, омонатгина қўнқайтириб қўйгандек кўринади.* Ҳ. Шамс, Душман. *Музаффар ҳам «бўлса — бўлар, бўлмаса — ғовлаб кетар» қабилида иш тутяпти.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. **Калласи** (*ёки* **мияси, боши) ғовламоқ** Нима қиларини билмай қолмоқ, боши қотмоқ. *Умуман, одамларга яхши қўшилолмайдиган Комил катталар олдида ўзини йўқотиб қўйган эди. Ҳозир унинг калласи ғовлаб, қулоғи шанғиллар эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Чуқур хаёлга толган Маҳкам аканинг мияси ғовлаб, гангиб қолганди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Шу алпозда у боши ғовлаб, пешингача телбалардек шаҳарда тентираб юрди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҒОВУР Турли тартибсиз овозлар, шовқин-сурон: ғовға. *Йиғилганлар орасида ғовур бошланди.* ▬ *Эркак кишининг асабий товуши хотинникига қўшилди; ғовур кўтарилди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *[Аҳмаджоннинг] Кўзи олдига гоҳ Нусрат, гоҳ Зулфия, гоҳ Латофат келиб, унга алланарсалар деяётгандай бўлар, уларга одамлар ғовури қўшилиб, катта чайқов бозорида юргандай боши ғувуллаб кетди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Зорий ирғиб туриб, ер тепинди, ғовурда унинг ғўлдирагани эшитилмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҒОВУРЛАШМОҚ Ғовур кўтармоқ, шовқинлашмоқ. *-Собир ота ҳам қулми? Бу ғовурлашган камбағаллар ҳам қулми? — деди Сафарқул бойга.* С. Айний, Қуллар.

ҒОВУШ, ғувуш *шв.* Жўхорининг кўк пояси; моллар учун экилган жўхори. *Бостирмага бостирганим ғовушди(р), Оёғингда амиркони ковушди(р).* «Фольклор». *Бўрон томлардаги ғовуш ва беда ғарамларини учирди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ҒОВҒА *с.т.* Ғавғо. *Арзимайди савдоси, бош қотирди ғовғаси, деганлари шу бўлса керак.* «Муштум». *Тирикчилик ғовғаси ёлғиз сизда эмас, тақдирга тан берасиз-де..* Ойбек, Танланган асарлар.

ҒОЗ I **1** Ёввойи ёки хонакилаштирилган, бўйни узун, сувда сузувчи йирик қуш. *Анави Тўлаганнинг эркатойи! Минаман, деб ғозларни қувлагани-қувлаган.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Кўклам келди, учиб ўтди ғозу турналар.* Ғ. Ғулом. *Соҳилида чайқалар қамиш.. Учиб ўтар баъзан ўрдак, ғоз.* Ё. Мирзо.

2 *кўчма* Гавдани тик кўтарган ҳолда: тик туриб; тикка. *Гавдани ғоз тутмоқ. У ғоз юриб чиқиб кетди.* ▬ *Қизил шапкали қотмагина темирйўлчи минбарга югуриб чиқди-да, Охунбобоев олдида ғоз туриб рапорт берди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Каклик чиройли бўйнини ғоз тутганича, маст кўзларини жавдиратиб.. хониш қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Ғоз қараш Бўйнини чўзиб қараш, аланглаш. *[Бону] Ўрнига бориб ўтириб, залдагиларга бир ғоз қараш қилиб қўйди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ҒОЗ II [*р.* газ] *эск. кт. айн.* **газ** II.

ҒОЗ III *с.т.* Куч-қувват, калория. *Ғози йўқ овқат. Офтобда туриб, ўғитнинг ғози қолмапти.* ▬ *Деҳқон етиштирган нозу неъматларнинг ғози бўлсагина, пазанданинг оши тотли бўлади.* М. Каримжонов, Патинжон. *Кўмири яхши чиқмади. Ғози йўққа ўхшайди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ҒОЗА [*ф.* غازه – аёллар юзига сурадиган қизиллик, элик] *эск.* Юзга суриладиган, қизил рангли пардоз буюми; элик. *Гапга тушмас тамизи йўқ бемаза, Сулувнинг бетига ярашар ғоза.* «Ойсулув». *Бунча юзга ғоза суриб, Зеб берасан ўзингга.* Уйғун.

Кампирнинг дарди ғозада Ҳар ким ўз ташвиши, ўз истаги, мақсади ҳақида ўйлайди ёки қайғуради, деган маънода ишлатилган матал.

ҒОЗИЙ [*а.* غازى – босқинчи, забт, истило қилувчи; ғазот қилувчи] *эск. дин.* Ғазотда, муқаддас урушда қатнашувчи, ўз эътиқоди йўлида жанг қилувчи. *Бу муқаддас жангда ўлган – шаҳид, ўлдирган – ғозий.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *-Тирик бўлсалар, ғозий бўлиб келарлар, агар тангрининг буйруғи билан ажаллари етган бўлса, шаҳид бўлarлар; сўрамоқ нега керак? – деб совуққонлик билан жавоб берди отлиқ.* С. Айний, Қуллар.

ҒОЗКАПТАР Ботқоқларда, сув бўйида яшайдиган кичкина сув қуши.

ҒОЗЛАНМОҚ Гавдани тик тутмоқ, ростламоқ, қадни кўтармоқ. *Чернецов столга хиёл энгашиб ўтирган эди, Юрьевнинг қийналаётганини кўриб, ғозланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҒОЗОЁҚ *бот.* Соябонгуллилар оиласига мансуб, суғориладиган экинлар орасида ўсадиган икки йиллик бегона ўт.

ҒОЗПАНЖА *бот.* Раънодошлар оиласига мансуб, тоғ ёнбағирларида, дарё бўйларидаги ташландиқ ерларда ўсадиган бир ва икки йиллик бегона ўт.

ҒОЗЯПРОҚ *бот.* Раънодошларга мансуб, тоғ зонасидаги зах ерлар, дарё ва сойлар бўйларида ўсадиган кўп йиллик илдизпояли ўсимлик.

ҒОЗ-ҒОЗ: ғоз-ғоз турмоқ Ўз мувозанатини сақлаган ҳолда оёқда турмоқ, тик турмоқ (энди юришга ўрганаётган бола ҳақида). *Ўғлим ғоз-ғоз турадиган бўлиб қолди.* ▬ *Хадича енг шимариб, даҳлизда гўшт чопяпти. Энди ғоз-ғоз тура бошлаган қизалоқ осма беланчакда.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қуланка.

ҒОЙИБ [*а.* غائب – мавжуд, бор бўлмаган; яширин, пинҳоний; кўринмас] Шу ерда йўқ, мавжуд эмас; кўринмай кетган, йўқ бўлиб кетган. *Шу пайтда бир кабутар ажойиб, Кўкда борар гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

Ғойиб бўлмоқ 1) кўзга кўринмай қолмоқ, йўқ бўлиб қолмоқ. *Маъмуржон орқасига қарай-қарай, муюлишдан ўтиб, ғойиб бўлди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар; 2) бирор ёққа кетиб қолмоқ, кетмоқ. *[Комила] Тонгда кампирникига келди. Кирса, Матниёз йўқ. Матниёз кетиб қолган эди. Қаёққа ғойиб бўлганлиги номаълум.* А. Мухтор, Чинор; 3) йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ. *Бундан беш йил илгари бир сабаб билан бу хаёллар бутунлай ғойиб бўлиб, уларнинг ўрнини бошқа фикрлар эгаллади.* М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб. **Илми ғойиб** *айн.* **илми ғайб.** *қ.* **ғайб**. *Бу илми ғойиб. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин.* Н. Сафаров, Дон.

2 Тангри, илоҳ. *Кейин иложи борича юмшоқ гапиришга уриниб, насиҳат қилиб қўйди: -Ғойибнинг ишини бандаси билмайди..* К. Яшин, Ҳамза. *Эшикдан чиқиши ҳамон, Анварга рақиблигини ошкор қилиб қўймасликни ғойибдан тилади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

3 Ғойиб (эркаклар исми).

ҒОЙИБДАН 1 Кутилмаган жойдан, йўқ жойдан, йўқдан. *Хазина – ғойибдан эмас, меҳнатдан.* Мақол. ▬ *Таътил кунлари Саидий учун ғойибдан келган зўр бойлик бўлиб, унинг қанчасини нима ишларга сарф қилишини билмай шошилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ғойибдан келган бу хуржунни Ойша хола салмоқлаб кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 *айн.* **ғойибона 1.** *Элмурод бу қорача, чеҳраси очиқ йигит билан ҳамсуҳбат бўлмаган бўлса ҳам, уни ғойибдан танир, одамлар оғзидан эшитган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Жавод уларнинг кўпларини ғойибдан танийди.* И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

ҒОЙИБОНА [*а.* + *ф.* غائبانه – сиртдан, ўзи йўғида; яширинча, пинҳона] **1** Ўзини кўрмаган ёки суҳбатлашмаган ҳолда; орқаворатдан, сиртдан. *Ғойибона ошиқ бўлмоқ.* ▬ *Кумушнинг гўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва*

хотинсиз орзумандлар.. қутидорникига совчиларини турнақатор юбора бошлаган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У ҳам Ойша холани ғойибона яхши кўриб қолгани ҳақида ёзар, бундан кейинги хатларида эса суратларини юборишларини айтар эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Номаълум; фавқулодда. *[Маҳкам ака] Оғасининг гапларини эсларди. Эслаган сари, бағри бутун бўлиб, кўнгли тоғдек кўтарилар, олам бошқача кўринар, аллаёқдан ғойибона куч белига, кўзларига нур ато қилаётганга ўхшарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ҒОЛИБ [*а.* غالب — ғалаба қилувчи, музаффар] Уруш, жанг, кураш, тортишув, мусобақа ва ш.к. да ғалаба қозонган, устун чиққан; музаффар; *зид.* **мағлуб**. *Ғолиб халқ.* ▬ *Фашизмга қарши жанг қилиб, зафар қучиб қайтган ғолибларимиз миллион-миллион.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Соттихон фақат мусобақа ғолибигина эмас, балки ижодий меҳнат ва новаторликда ҳам намуналар кўрсатган илғор ишчилардан бири.* Туйғун, Станоклар ёнида. *Бош соврин таъсис этилди — турнир ғолиби тошкентлик усталар ишлаган катта чинни вазани олади.* Газетадан.

Ғолиб келмоқ (*ёки* **чиқмоқ**) 1) уруш, жанг, мусобақа ва ш.к. ларда устун чиқмоқ. *Мусобақада ғолиб чиқмоқ.* ▬ *Сен курашда ғолиб келганда, Тоғдай кўтарилар кўкрагим.* Т. Тўла. *Айтгандек, жангда енгдик, Ғолиб чиқдик, хўп севиндик.* М. Шайхзода; 2) *кўчма* юқори вазият (ҳолат) эгалламоқ, устун келмоқ. *Дардим ғолиб келиб, ётиб қолдим.* ▬ *Тўсатдан вужудини қамраган оналик меҳри ғолиб келиб, тортган азоби ҳам эсидан чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ғолиб келар чарчоқ, ниҳоят, Тонгга яқин илинади кўз.* А. Шер, Қадимги куй.

ҒОЛИБИЯТ [*а.* غالبيت — ғалабалар; аксарият, кўпчилик; катта қисм] *эск.* Ғолиблик, ғалаба. *Бугун Азизбек ғолибият далдасида қўрғонлардан бир айланиб чиқмоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒОЛИБКОР [*а. + ф.* غالبكار — ғалаба қилувчи, ғолиб бўлувчи] Ғалабага олиб борувчи; ғалаба эгаси. *Хоразмнинг бу йил ҳам ғолибкор бўлишини муттасил кузатиб бормоқдалар.* Газетадан.

ҒОЛИБЛИК 1 Ғолиб ҳолат, ғалабага эгалик; ғалаба. *Достон мазмунида кураш ва зафар, Ғолиблик ғурури дунёлар қадар.* М. Алавия. *Зафар ёр бизга, ғолиблик муқаррар.* Ҳабибий. *Юзидаги ғазаб сўниб, табассум қалқди. Қиёфасидаги ғолиблик виқори ва мағлуб бўлганга шафқат акс этиб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ғолиб эканлик. *Кулгимиз бу — ғолиблигимиз, шодлигимиз, бахтиёрлигимиз.. белгиси.* «Муштум».

ҒОЛИБО [*а.* غالباً — аксар ҳолларда, тез-тез; эҳтимол, шекилли] *крш. с. эск. кт.* **1** Кўпинча, асосан. *Ғолибо шундай дейилади.*

2 Афтидан, тахминан, балки. *Алишер марҳум Абулқосим Бобир саройига хизматга кирганларида, ғолибо, ўн беш ёшда эдилар.* Ойбек, Навоий.

ҒОЛИБОНА [*а. + ф.* غالبانه — ғолиб ҳолда, зафарли] Ғолибларга хос, ғолибларча; зафарли. *Ғолибона кўриниш. Ғолибона юриш.* ▬ *-Ҳужрамга кирсанг, ҳаммасини билиб оласан, — деди у ғолибона бир тарзда.* С. Айний, Эсдаликлар. *Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига ғолибона юраётир.* Ойбек, Нур қидириб.

ҒОН *қ.х.* Ипак қурти боқилган сўкичакда қурт егандан қолган барг ва ахлатлар.

ҒОР [*а.* غار — мағора, унгур; чуқурлик] Тоғ, тепалик кабилар остида, бағрида табиий ҳолда вужудга келган катта ҳажмли бўшлиқ. *Тоғнинг тагида ғор бўлиб, унда илонларнинг подшоси — Аждар султон ёлғиз турар эди.* «Эртаклар». *Бу тепанинг шимолиғарбий ёнбағрида бир ғор бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ўзбекистонда кўршапалакни ғорларда, бўғотлар тагида учратиш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ҒОРАТ [*а.* غارت — қўққисдан ҳужум, босқин; талон қилиш] *эск. кт.* Талон-торож; бузғунлик. *Ғорат бўлмоқ. Ғорат қилмоқ.* ▬ *Қурдик не-не иморат, Аммо билмадик ғорат.* М. Али. *Аммо на раҳм бор ва на адолат: Элни золим шундай этмишдир ғорат.* Миртемир. *Шу тариқа, фаҳш ботқоғига ботган император.. Рим империяси хазинасини ғорат қилиб.. жар ёқасига олиб келганини билмади.* «Тафаккур».

ҒОРАТГАР [*а. + ф.* غارتگر — ғорат қилувчи; талончи, босқинчи] *айн.* **ғоратчи.** *Жаҳон ғоратгари — шарманда ул шиддатли ёв қочди. Гўзал боғимни ёндирмоқ учун юрган олов қочди.* Ҳабибий.

FОРАТЧИ *эск. кт.* Талон-торож қилувчи, таловчи; вайрон қилувчи, бузувчи. *Ўзбек ва афғон халқлари.. айни замонда ташқи ғоратчилар кулфатини бирга тортганлар.* В. Зоҳидов, Улуғлар изидан.

FОФИЛ [*а.* غافل — бепарво, эътиборсиз; паришонхотир; ғафлатда қолган] Ғафлатда қолган, ҳеч нарсадан бехабар. *Э ғофил она, тур, кўзингни оч, қизингнинг юрагига қулоқ сол. Унинг қалбига муҳаббат келди.* С. Аҳмад, Муҳаббатнинг туғилиши. *Кечир, дўстим, ғофил қолдим. Иссиқ қўйнимда илон ётганини билмадим.* И. Султон, Имон.

FОФИЛЛИК Ҳеч нарсадан хабарсизлик. *У эрининг бепарво ва ғофиллигидан шикоят қилди.* ▬ *-Мени сиз чақирдингизми? — сўради Малика, ўзини ғофилликка солиб.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

FОЯ [*а.* غايه — мақсад, интилиш; ният, қасд] **1** Объектив борлиқни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни мақсад сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур. *Эски ғоялар ва қарашлар уларни юзага келтирган шарт-шароитларга нисбатан узоқроқ умр кўради.* Газетадан. *Ёзингиз, мана шу қуръон ҳурмати билан қасамёд қилиб айтаманки, мен ўзимнинг курашчан қобилиятимни шу жамиятнинг ғоялари йўлида тугатажакман* [*деди номаълум киши*]. Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Диннинг вазифаси — ғоялар ва эътиқодлар тизимини шарҳлаш, изоҳлаш ҳамда қайта ишлашдан иборат.* «Мулоқот».

2 Бадиий, сиёсий ёки илмий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр. *Асарларнинг халқ мулки бўлиб қолишига сабаб шуки, у асарлар мағзига сингдирилган ғоя кишилар дилига, уларнинг истакларига яқиндир.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу новеллалар муайян маънода мустақил «асар»дек таассурот қолдиради ва айни вақтда бир-бири билан боғланиб, умумий асарнинг ғояси ва руҳини очишга бўйсундирилади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор иш-ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй; ният, мақсад. *Киши астойдил меҳр қўйган.. ғоясини доим энг тўғри ва кенг тарқалган.. деб ҳис қилади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Шўрўзакни ўзлаштириш ғоясини биринчилар қатори Турсунмат олға сурган эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Менинг учун кўйингизда ва оёғингиз учида жон бериш жуда ширин эди ва кўпдан бери ғоям эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

FОЯВИЙ [*а.* غايه‌وى / غائى — ғояга оид, алоқадор] **1** Муайян бир ғояга асосланган. *Ғоявий тарбия. Ғоявий қурол. Ғоявий кураш.* ▬ *Ўқитувчи — ғоявий фронт жангчиси.* «Фан ва турмуш».

2 Бирор нарсанинг асосий моҳиятини, ғоясини ифодалайдиган; ғоя жиҳатидан. *Пьесанинг ғоявий мазмуни.* ▬ *Редакция жамоаси.. ўзининг ғоявий савиясини, бадиий маҳоратини оширмоқда.* Л. Ҳамроев, Шонли йўл. *Бадиий жиҳатдан пишиқ, ғоявий соғлом, халқчил, томошабин қалбига яқин бўлган ҳар бир асар замонавий бўла олади.* Газетадан.

FОЯВИЙЛИК Муайян ғояга мансублик, эгалик. *Ишда юксак ғоявийлик бўлмоғи керак.*

FОЯЛИ (*аниқловчи сўз билан*) Ғояга эга. *Юксак ғояли.*

FОЯСИЗ Аниқ бир сиёсий ёки маънавий мақсади бўлмаган; тутуриқсиз.

FОЯТ(ДА) [*а.* غايت — чек, чегара, охир] Ҳаддан ташқари, ниҳоятда, жуда. *Ғоятда гўзал. Ғоят кучли.* ▬ *Уйимиз ғоят шинам, Ҳаммага жой бор. Меҳмонлар юлдуз бўлса, Ўртада ой бор.* М. Шайхзода. *Мажлисга чўккан ғоят оғир вазиятни тарқатиш учун танаффус эълон қилинди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Умид ғоятда хурсанд, ордерни олган кунiёқ дарров кўчиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид.

FУБОР [*а.* غبار — гард, чанг, тўзон] **1** Чанг, тўзон кабилардан ҳавода сақланган ёки нарса сатҳига инган майда зарралар; гард. *Дўл шундай шиддат билан ёғардики, гўё ердан чанг кўтарилиб, ҳавони ғубор босди, кундуз қоронғилашди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Пахта битган ерларингни кўрмоқчиман, Ғуборини кипригимга сурмоқчиман..* С. Акбарий. *Шоён меҳнатингнинг нишонаси бу — Қора қошларингга қўнган чанг, ғубор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Саратонда муаллақ қотган ғубори шабнам билан яна ўз онаси — тупроқ оғушига оҳиста чўкди.* «Саодат».

2 Умуман, тиниқлик, равшанликни бузувчи, хира қилувчи (хиралаштирувчи) зар-

ралар. *Осмонда ғубор йўқ, тиниқдан-тиниқ, Қуёш чароқлайди нурини сочиб.* Ғ. Ғулом. *Қишлоқдан чиққанимизда, ғубор ичида кўринган тоғлар ҳам анча яқин келиб қолди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бугун кун бўлади равшан ва бедоғ, Ғубор йўқдир зарра ҳавода.* Ҳ. Олимжон.

3 *кўчма* Умуман, равшанлик, тозалик, покликни бузувчи нарса (мас., доғ ва б.). *Ташқарида оламни жамики ғуборлардан покламоқчидек, уриб жала қуяр эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Зайнаб Кумушнинг тўлиб етмаган гавдасига ва ўн олти ёшлар чамали ғубор тегмаган ҳуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дил ҳам бамисоли шундай: севги шаробига қатра ғубор аралашдими — тамом.* М. Жўра, Изтироб.

4 *кўчма* Киши руҳини (руҳиятини) бузувчи ҳолат, доғ, хиралик. *Ҳар қалай, кундузлари чидаса бўлади: бир-ярим яхши-ёмонни кўради, ундан-бундан икки оғиз сўзлашиб, пича тафти чиқади, ғубори арийди..* Х. Султонов, Онамнинг юрти. «*Суҳбатда одам ёзилади, дам олади, ғубордан чиқади..*» *дерди Юсуфжон ака.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Бир марта тўйиб ҳидласанг, ичингдаги жами ғуборни ҳайдаб чиқаради.* С. Аҳмад, Уфқ.

5 *махс.* Чангсимон доғ; кул (ўсимликлар касаллиги). *..новдаларда ҳам, худди барглардаги сингари, кулранг ғубор пайдо бўлади.* Газетадан.

ҒУБОРЛАНМОҚ Ғубор билан босилмоқ, чанг ёки гард билан қопланмоқ. *У қора нимади — Ёдгор билмади, Ғуборланган чўлда кетиб боради.* «Ёдгор». *Ёруғ дунё ғуборланди кўзима..* «Ойсулув».

ҒУБОРЛИ 1 Ғубори бор, чанг босган, тўзонли. *Қурилиш комбинатининг оппоқ гардга қопланиб ётган чала корпуслари ҳам, қурум пуркаб, биқсиб турган хумдон мўрилари ҳам ўзининг дим, ғуборли ҳавоси билан орқада қолди.* А. Мухтор, Чинор. *У уйининг ғуборли ва тўзонли ҳавосини янгилаш учун парталар орасидан сиқилиб бориб, деразани очди.* М. Файзий, Уч қиз.

2 *кўчма* Дилгир, хафа, ғамга тўлган. *Ғуборли юрак.*

ҒУБОРСИЗ 1 Ғубори, чанги йўқ; гардсиз; тоза, мусаффо. *Ғуборсиз осмон.* ▬ *Қуёш ғуборсиз кўкда талтайиб порлар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Жувон ҳам узун қора киприкларини пирпиратиб, чинни сингари ғуборсиз юзидан нур ёғилаётгандай, кулумсираб қаради.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *кўчма* Кўнгли, дили пок; кир, ғубордан холи. *Типирчилаган жажжи юраги шундоққина кўриниб турибди: самимий, ғуборсиз, чин кўнгилдан гапиради нораста.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *Қиз болани авайлаб, ғуборсиз, пок ўстириш.. тарбияда энг муҳим давр саналади.* «Саодат».

ҒУВ *тақл. с.* Шамол елганда ва баъзи нарсалар учганда, айланганда чиқадиган товушни, шунингдек, баъзи қушларнинг товушини билдиради. *Эшик очилиши билан, уйга ғув этиб шамол урилди. Қўнғиз ғув этиб учиб кетди.* ▬ *Нам шабада ялпиз ҳидини, асаларининг майин ғув-ғувини олиб келди.* С. Нуров, Нарвон. *Беор мусича ғув-ғув қилиб кўкрак ташлаб, иккинчи мусичани қувларди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҒУВВА Тезлик билан. *..уч фарзанди, хотинини олиб, ҳеч кимга билдирмай, ғувва шаҳардан чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Васваса гирдобида.

ҒУВВОС Ғала-ғовур, шовқин-сурон аралаш содир бўладиган; чуввос. *Арининг инига чўп суққандай, ғуввос тўполон ичида ҳеч ким ҳеч кимни танимас эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒУВУЛЛАМОҚ 1 Тўхтовсиз, давомли тарзда «ғув-ғув» овоз чиқармоқ. *Ташқарида қутурган шамол ғувуллаб, дарчани итарар, унинг тирқишларидан қор учқунларини ирғитарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кўчадан машина эшигининг тарақлаб очилиб-ёпилгани, моторнинг ғувуллагани эшитилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Арининг уясига чўп суқиб, бир қўзғаб қўйса, кечгача тинмай ғувуллаб ётади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Улар чиллак ўйнаётган бўлса керак, ҳар дам-ҳар дамда қайсисидир ғувуллаб югуради.* «Ёшлик».

2 Турли хил товушли ва ҳаракатли ҳолатга келмоқ; шов-шув ёки ғовур кўтармоқ. *Танаффус эълон қилинди. Томошабинлар ини бузилган аридек ғувуллаб қолишди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Ҳоким ғувуллаётган халққа қараб гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Клуб бозорга ўхшаб ғувуллаб қолди.* «Ёшлик».

Боши (*ёки* калласи, мияси) ғувулламоқ Чарчаш, толиқиш ва ш. к. дан бош ичида

оғриқ аралаш ғувуллашга ўхшаш шовқин сезмоқ. *Кун бўйи сув ичаман, томоғим қақраб, бошим ғувуллайди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Низомжоннинг калласи ғувуллаб, қўллари муштга айланди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Алимардон унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатар, мияси ғувуллаб кетган, чалкаш туйғулар ичида тўлқинланар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Қулоғи ғувулламоқ** *айн.* **қулоғи шанғилламоқ** *қ.* **шанғилламоқ.**

ҒУВУР *айн.* **ғовур**. *Мингбоши одамлар ғувурининг тинчишини, гузарга жимлик чўкишини кутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уй ичи жонланиб, енгил ғувур бошланди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Усти тим билан қопланган бу қоронғи растада, одатда бошқа расталарда бўладиган шовқин-сурон, ғувур-ғувур, шошқалоқ оломон, тиқилинч йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҒУВУРЛАМОҚ *айн.* **ғувулламоқ**. *Катта шаҳар ғувурлайди — ҳар ён сурон.* Ойбек, Зафар ва Заҳро.

ҒУВ-ҒУВ Ғув с.нинг такр. *У [Салтанат] дугининг ғув-ғувидан қулоғи битиб қолгани учун, эрининг чақирганини эшитмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тегирмон тошининг ғув-ғувида ҳеч нарса эшитилмасди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҒУВҒУВЛАМОҚ «Ғув-ғув» этган овоз чиқармоқ. *Бир хил ғувғувлаган овозлар.. миясини алғов-далғов қилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қай ковак ичида ғуррак ғувғувлар, Чеки йўқ бепоён, ҳудудсиз дала.* Х. Даврон, Қақнус.

ҒУДДА [*а.* غدّة — без; шиш, ғурра] Одам, ҳайвон ёки ўсимлик аъзосининг, нарсанинг бирор жойида бўртиб чиққан шиш, бўртиқ, қабариқ. *Унинг қошлари салгина чимирилиб, пешонасининг ўртаси ғудда бўлди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Оппоқ бўлиб ётибди ҳамма ёқ. Ғудда-ғудда қор тўдалари кўринади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Сигир тилидаги ғудда-ғудда қора нарсаларни кўриб, ҳайрон бўлдик.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ҒУДРАНМОҚ 1 Ўзича нималардир демоқ, гапирмоқ. *Қамар раис яна алланималар деб ғудранди-да, дарвозани қарс ёпиб чиқиб кетди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Жанжалнинг ҳидини сезган Сарви хола ғудраниб, стол устига дастурхон ёзишга тутинди.* «Муштум». *Ичкарида кимдир ғудранди, унга қандайдир аёл товуши қўшилди.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Гап-сўзидан тутилиб, тайинсиз гап қилмоқ; довдираб, телба-тескари гапирмоқ. *Бу саволдан раис дудуқланди, партия ташкилотининг секретари ғудранди, ферма мудири чайноқланди.* «Муштум». *Директор Абдусаид амакидан бу гапни кутмаган экан, довдираб қолди. Ҳуши учиб ғудранди.* М. Мансуров, Ёмби.

ҒУДРАША Ғадир-будур бўлиб кетган, ёрилган. *Ғудраша қўл.*

ҒУДУЛЛАМОҚ *айн.* **ғудранмоқ.** *Маҳалла сўфиси нималардир деб ғудуллаб.. кавушини дўқиллатганча уларнинг ёнидан ўтиб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Қодиров ўзигаўзи ниманидир айтиб ғудуллади-ю, жаҳли чиқиб, отига қараб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҒУДУНГЛАМОҚ *айн.* **ғудранмоқ, ғудулламоқ.** *Эрмат отнинг жиловини қўйиб, ичидангина ниманидир ғудунглади.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ҒУДУР [*а.* غدر —«ғадир» с. нинг кўпл.] Сирт ёки ташқи томонига турли нарса(лар) бўртиб чиққан, ғадир-будур, нотекис. *-[Султоннинг] Ғудур, қўпол қўли жуда оғир экан — елкамни босиб тушди, лекин бўш келмадим, тикка туравердим, — деди Аҳмад.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Ўрнидан сакраб туриб, қозиққа осиғлиқ ғудур сочиқни олди.* А. Холиқов, Чипқон. *Қиз ўнг қўлини столга қўйиб ўтирган эди. Бу қўлнинг ҳар томири, ҳар ғудури Элчибекнинг кўнглида ёд.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҒУДУРЛАМОҚ *айн.* **ғудулламоқ**. *Хўжақул шошқалоқлик билан киссасини ковлар экан.. пулни мен тўлайман! — деб ғудурлади.* О. Ёқубов, Учрашув. *Зағчакўз нимадир ғудурлаб, қуръон калимасини такрорлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҒУЖ Бир-бирига яқин ёки тегиб жой олган; тўп, тўда ҳолатли. *Ғуж узум. Ғуж юлдузлар. Ғуж қилмоқ.* ■ *Биринчи сентябрь, тонготар чоғи Ҳавода ғуж каптар қилади парвоз.* Ғ. Ғулом. *-Бу йил мўл ҳосил етиштиришга имонимиз комил, — дейишарди.. баҳор шабадасида аста тебранаётган шўралари ғуж токларга боқиб.* О. Ёқубов, Олов қалблар. *Нодир бошини кўтариб, ғуж ўсган қайрағоч тагида Раҳимани кўрди.* С. Юну-

сов, Кутилмаган хазина. *Улоқчилар биринкетин ўртага ғуж бўла бошлаган бўлсалар ҳам, ҳануз улоқ ўртага кирмаган эди.* А. Қодирий, Улоқда.

ҒУЖАНАК 1 Оёқ-қўллари йиғилган, танаси эгик, боши букик ҳолатли. *У калласини икки қўли орасига олиб, ғужанак бўлиб ўтирганча қолди.* Ҳ. Назир, Онаизор. *Совқотганидан қўлчаларини кўксига босиб, ғужанак бўлиб олибди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ит ўн қадамча вангиллаб бориб, бедазор четидаги култепа олдида ғужанак бўлиб типирчилай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **ғуж**. *Ўрикларда сара бодроқдай, Оппоқ-оппоқ ғужанак гуллар.* С. Акбарий.

3 Тоғ этакларида, даштда майда поялари ғуж бўлиб ўсадиган бир хил бута. *Катта-катта дарахтларни илдизи билан қўпориб, учириб юрган бўрон учун биргина ғужанак нима экан?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҒУЖИЛЛАМОҚ *айн.* **ғужурламоқ**. *Киргина бурнига каттагина булоқи таққан кенжа қизча нималарнидир ғужиллаб, қўғирчоқ ўйнарди.* Ойбек, Нур қидириб.

ҒУЖЛАМОҚ Бир жойга тўпламоқ, ғуж қилмоқ. *Қўйларни бир бурчакка ғужламоқ.*

ҒУЖМАЙМОҚ *с.т.* Ғужанак бўлмоқ, бужмаймоқ. *Мушук ғужмайиб ухламоқда.*

ҒУЖМАК *с.т.* Ғужанак.

ҒУЖУМ 1 Узум донаси ёки шингили. *Унинг сўзига қараганда, узумнинг ҳар боши тўрвадек ва ғужумлари тутнинг донасидек зич бўлиши керак.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. *Ёшлигимизда оналаримиз беланчагимиз арғамчиларини токларнинг зангига боғлаган, йиғлаганимизда, оғзимизга эмизги ўрнига узумнинг бир ғужумини сўрдирган.* «Гулистон».

2 *шв.* Ғуж, тўп. *Шамол табиатнинг осойишталигини бузиб, ўрик шохларини бирбирига уриб, ғужум гулни юла, осмонга кўтарди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *Йигитлар бир ерга ғужум бўлиб, ашулани бир йўсинда чўзиб юбордилар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҒУЖУМЛАМОҚ Узум бошидан биттабитта (доналаб) ёки шингиллаб узмоқ. *Узумни ғужумламоқ.* ▬ *Дилдор дала шийпонида бир бош ҳусайни узумни олдига қўйиб, эринибгина ғужумлаб еб ўтирарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У бозорга кирди-ю, худди ишкомда юргандек, деҳқонларнинг узумидан ғужумлаб ўтаверди.* «Муштум».

ҒУЖУР I *шв.* Ғайрат. *Каримнинг ўзини уриб кетган, танасида ғужури йўқ. Эркак деган ҳам шунақа аммамнинг бузоғи бўладими?* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Унинг бирдан ғужури келиб кетди: бундай йўллардан юра билиш ҳам ўзи учун синов эканини ўзига тан олдирди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ҒУЖУР II (*асосан такрор ҳолда қўлланади* — **ғужур-ғужур**) **1** Баъзи майда қушларнинг сайраганда чиқарадиган товушини билдиради. *Қушларнинг ғужури. Ғужур-ғужур сайрамоқ.*

2 Тўхтовсиз ҳолдаги, тушуниб бўлмайдиган гап-сўзлар. *Ғужур-ғужур гаплашмоқ.* ▬ *Ғужур-ғужур қилиб, боғчадан жиянлар қайтишди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ҒУЖУРЛАМОҚ 1 Ғужур-ғужур қилмоқ; шундай овоз билан сайрамоқ. *Қушлар баҳорни олқишлаб ғужурлайди, шохдан шохга учиб қўнади.* Н. Фозилов, Оқим.

2 Бошқалар тушунмайдиган тилда гапирмоқ. *У шеригига бир нима деб ғужурлади.* ▬ *Фарҳоднинг инглизча гапирмаслигини билган Хамбер, бугун уйда кайфи борлигиданми, хотини ҳузурида миллий ғурури жўшганиданми, она тилида ғужурлаб кетди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ҒУЖҒОН 1 Шахс ёки нарсанинг маълум даражадаги ҳаракатли тўп ҳолати; тўпи, тўдаси. *Барчин момо теграсида болалар ғужғон..* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Арилар ғужғони эса ёғингарчиликдан дарак беради.* Газетадан. *Серқатнов машиналарнинг шовқин-сурони авжида, бекатларда одамлар ғужғон.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Руҳиятдаги шундай ҳолат, жўш урган ҳолат. *Бу хабар майорнинг ғужғон хаёлларини бир зумда тарқатиб, сергак торттирди.* «Ёшлик». *Хотинининг ҳалиги таъnasини эслади. Миясида ғужғон бошланди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

Ғужғон ўйнамоқ Ғуж, тўда, тўп ҳолатда ҳаракатланмоқ (**ғужғон** тўғри ва кўчма маънода). *Молбозорга туташ яланг саҳнда чумолидек ғужғон ўйнаган оломон тинимсиз қайнаб-тошади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Кечки офтоб селида минг-миллион зарра бўлиб ғужғон ўйнаётган тўзон жуда секинлик билан тарқаларди.* М. Мансуров,

Ёмби. *Потма хаёлида ғужғон ўйнаётган турли гумон ва шубҳалардан юраги ғаш.* Т. Ашуров, Марварид тут.

3 *шв.* Ғуж. *Ғужғон гуллаган дарахтлардан атрофга кумуш ёғду ёғилиб туради.* С. Нуров, Нарвон. *Ғужғон япроқлар она кўксига ёпишган гўдакдек меҳрибон новдаларга чирмашади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҒУЛ I [*а.* غلّ – темир бўйинбоғ; занжир, кишан] *тар.* Айбдорнинг бўйин, оёқларига кийгизиб қўйиладиган жазолаш асбоби: кишан. *Зиндонда бўйинларига, оёқларига ғул ва занжир боғланиб.. [деҳқонлар] қақшаб ётар эдилар.* С. Айний, Дохунда. *Оёғида кунда, бўйнидадир ғул..* «Рустамхон».

ҒУЛ II *тар.* Туркий халқлар ва мўғулларда: қўшиннинг марказида, подшоҳ, хон ҳузурида турувчи махсус ҳарбий қисм. *Халил Султон рақибининг ғулига кучли зарба берди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

ҒУЛДУРАМОҚ Эшитилар-эшитилмас қилиб ноаниқ гапирмоқ, ўзича алланималар демоқ; ғудулламоқ, ғудранмоқ. *Қудрат ҳалқумига бир нима тиқилгандай ғулдураб, синглисининг қўлини итариб ташлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Зайнаб ўзининг хатосини англади ва гапиролмай ғулдуради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒУЛОМ [*а.* غلام – бола, ўсмир, йигит; хизматкор, югурдак] *эск. кт.* **1** Саройда хизмат қилувчи йигит, хизматкор. *Тағин қасри тўла ғулом, канизак.* Миртемир.

2 *айн.* **қул**. *Тоғ томондан ҳайдаб келинган ғуломлар шу қайрағоч тагидаги саройга қамалган, шу ерда сотилган, кейин бу жой Ғурумсарой бўлиб кетган дейилади.* Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

3 Ғулом (эркаклар исми).

ҒУЛОМГАРДИШ [*а.* + *ф.* غلامگردش – хизматкорхона, йўлак] *эск.* Ичкаридан ташқарини ажратиб турувчи тўсиқ. *-Биз бойникида қўнадиган бўлдик. Оғилхонага кирадиган йўлак ёнидаги ғуломгардишдан ётишга жой кўрсатди, – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒУЛТ *айн.* **қулт**. *Овқат унинг томоғидан, қувурдан ўтаётган сувдек, ғулт-ғулт қилиб ўтарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҒУЛУ(В) [*а.* غلوّ – бўрттириб кўрсатиш, ҳаддан ортиқлик, муболаға; чегарадан чиқишлик] **1** Келишмовчилик, норозилик ва ш.к. ни ифодаловчи овоз, хатти-ҳаракат; ғавға, тўполон, жанжал. *..подшонинг уруши учун тутун пули ҳам, дон ҳам, мой ҳам кор қилмай қолди. Энди подшо мардикор сўради. Шунда ҳамма ерда ғулу чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Капсанчилар ғулу кўтаришган экан, князь «шаҳардан саллот чақираман», деб босибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сиз аввал шаҳардаги ғулуни бартараф этинг, фитнанинг уясини топинг..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ариқустиликлар бек тарафидан солинган солиқни вақтида тўлолмай, ғулув кўтаришди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Киши руҳи, дилидаги нотинч, безовта ҳолат; нотинчлик, безовталик. *Кечалари мизғимас меъмор, Муҳандисда ўзгача ғулу.* М. Али.

Ғулу солмоқ 1) норозилик уйғотмоқ, тўполон, жанжал чиқармоқ. *Афсуски, динсизни шу ерда йўқ қила олмадик, энди бориб, қўйимизни боқаётган муридларимиз орасига ғулу солади, охирги насибамизни ҳам қоқиб олади.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар; 2) дилда нотинчлик, безовталик қўзғамоқ. *У не ўктам, ботир йигитлар Юрагига солмаган ғулув.* Э. Воҳидов, Нидо. *Йигитликда ғунча каби лаб Тинчлик бермай соларди ғулу.* Шукрулло.

3 *ад.* Муболағанинг учинчи даражаси: маълум нарса, белги, ҳолат ёки ҳаракатни ақл бовар қилмайдиган, ҳаётда ҳам рўй бермайдиган тарзда тасвирлашдан иборат шеърий санъат.

ҒУЛҒУЛА [*ф.* غلغله – шовқин, тўполон; ғавға; ғовур-ғувур] *айн.* **ғулу.** *Ғулғула бўлиб қолди Чамбилдай шаҳар.* «Маликаи айёр». *Тўполон – ғулғула Қўнғирот юрти, Ултондан ҳазар қип кўчмоқчи бўпти.* «Ёдгор». *Ўғлининг хатти-ҳаракати, шивирлаб гапириши, кўзларидаги бежолик Хайрибиби кўнглига ғулғула солиб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Шавкатнинг хаёлида уй аста тебранаётгандай бўлиб, юрагидаги ғулғула кучайди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ҒУЛҒУЛАЛИ Нотинч, безовта ҳолатли. *Нафисанинг қалби ғулғулали, ақли паришон бўлиб юрган кунлардан бири кечаси баракда бирга ётадиган дугонаси Садбар биқинига туртибди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ғулғулали араб юртга Бир неча ботирлар келди.* «Баҳром ва Гуландом».

ҒУЛҒУЛАСИЗ Ташвишсиз, тинч. *Улар [лўлилар] осмони кенг, холи, ғулғуласиз сокин ҳаётни хуш кўрардилар.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ҒУМАЙ *бот.* Бошоқдошларга мансуб, қиёқ баргли, илдизидан тез кўпаядиган кўп йиллик бегона ўт. *Кўкорол пахтазори ғумай, қиёқ, печак каби ўтлардан тозаланиб бўлаёзди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ондасонда учрайдиган ғумай ва ажриқ илдизларини қўл билан териб оламиз.* Газетадан.

ҒУМБАК Баъзи ҳашаротлар ривожланишида қуртдан тўлиқ шаклланиш, яъни капалакка ёки пашшага айланиш босқичи ва ҳашаротнинг шу босқичдаги ҳолати. *Пашша ва унинг ғумбакларига жуда тез таъсир этадиган кимёвий моддалар.. ишлаб чиқарилди.* Газетадан.

ҒУНАЖИН [*мўғ.*] Икки ёшдан ошган урғочи қорамол. *Мулла Обиднинг тана боқиб, ғунажин қилиш, ғунажинни қочириб, сигирга айлантириш усули икки ёқлама фойда етказади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҒУНДА *с. т.* Пакана ва семиз (одам ҳақида). *Пакана, ғунда, вужуди ажалдан дарак бериб турган жаллод келиб, унинг елкасидан қаттиқ тортганда.. Аҳмад полвон, оёқлари чалишиб, чалқанча йиқилди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

ҒУНЧА [*ф.* غنچه — куртак, шона; лаб, дудоқ] **1** Ҳали очилмаган, гулбарглари ҳали ёзилмаган гул; ўсимликнинг гул куртаги. *Кечқурун [булбул] гул ғунчасини кўради-ю, ишқида ошиғу шайдо бўлиб сайрай беради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қирлардан эсаётган майин шабада ана шу гулларнинг ғунчаларини ёзмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ғунча очилгунча ўтган фурсатни Капалак умрига қиёс этгулик.* Ғ. Ғулом.

2 *кўчма* Бирор ҳодисанинг эндигина бошланаётган пайти, бошланиши. *Шубҳа ичида қизарган муҳаббат ғунчаси висол хабари билан очилаёзгандек.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мураббий бола қалбида ниш ура бошлаган умид ғунчаларининг меҳрибон соҳибидир.* Р. Усмонов, Одобнома.

ҒУНЧАЛАМОҚ Ғунча пайдо қилмоқ, ғунча чиқармоқ (тўғри ва кўчма маънода). *Ажойиб боғ. Тартиб билан ўтқазилган мева дарахтлари гулларга бурканган. Токлар барг ёзган, гуллар ғунчалаб ётибди.* Газетадан. *Ёшлик — бу ҳамиша янгиланиш, бунёдкорлик, ҳар лаҳзада минг бир орзунинг ғунчаламоқ фаслидир.* Газетадан.

ҒУНЧАЧИ *тар.* **1** Подшо ёки хонга гўзал қизларни танлаб, ҳарамга келтириб берувчи аёл. *Сўз.. баъзи ғунчачилар билан бегимларнинг орасида бўлган можаролар.. устида борар эди.* Ойбек, Навоий.

2 Вақтинчалик хотин. *Шайбонийхон бир вақтлар Зуҳра бегимни жуда гўзал деб эшитиб, «ўзимга ғунчачи қилиб олурман», деб ўйлаган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҒУППА *шв.* Қубба.

ҒУППАК Шох-шаббаси зич, ғуж бўлиб ёки тўп бўлиб ўсадиган; ғуж. *Ғуппак садалар.* ▬ *Тоғ кўксидаги ғуппак арчалар эса қорайиб, ўзини сипоҳ тутаётгандай, тоғлар, тепалар бағридаги киши ҳали очмаган сирни сақлаб тургандай.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

ҒУРБАТ [*а.* غربت — ғариблик, кимсасизлик, мусофирлик] **1** Ватандан узоқда яшаш; мусофирлик, ғариблик. *Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш. Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.* Алишер Навоий. *Йиғларсан қаерда деб, Менинг Тўхташим. Ғурбатда овунчоғим, Мунис йўлдошим.* Ғайратий.

2 Ғам-ташвиш, кулфат. *Ўғлим, бунақа беҳаё қиз экан, вақтида билиб, ўзингизни четга олганингиз яхши бўлибди. Шукур қилинг! Битта туғиб олгандан кейин, умрингиз ғурбатда ўтиб кетарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Кун сари ғурбатимиз ортмоқда, наҳотки ёвузлар даф бўлмаса, нажот йўқми сира?!* Ойбек, Нур қидириб.

3 *с. т.* Ортиқча ташвиш келтирувчи нарса, иш. *Ухлашга ҳуштак чалиниши билан, уйқусизлик ва тергов ғурбатлари чарчатган кишилар дарров ўринларига кирдилар.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *-Э, омон бўл! — деди Қаршибой ота, ошнасининг гўллиги наша қилиб, — ўзинг эски ғурбатсан-да.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар.. *Бир келиб кетмасангиз бўлмайди шекилли, жўрангиз прокуратурани аралаштириб, тоза ғурбат қиляпти.* «Ёшлик».

ҒУРБАТСАРО [*а.* + *ф.* غربتسرا — ғурбат уяси] *поэт. айн.* **ғурбатхона**. *-Мен чиндан жаҳонгашта, дарбадар, ғарибу бенаводай шу ғурбатсарода ивирсиб юрибман, — деди Ҳайдархўжа Мирзога.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ҒУРБАТХОНА [ғурбат + хона] Қайғуалам макони, ғам-ғусса кўп бўладиган жой.

Нима қилиб бу ғурбатхонага келиб қолдиларинг? Н. Сафаров, Уйғониш. *[Ғофир:] Бу ғурбатхонада нотавон йиғлаганларнинг, афсус-надомат чекканларнинг доду фарёдини ким тинглайди, ким?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ҒУРИЛЛАМОҚ I «Ғур-ғур» овоз чиқармоқ. *Бурайин қўлим билан, ғуриллаб айлан, урчуғим.* «Бойчечак».

ҒУРИЛЛАМОҚ II *с. т. айн.* **ғўрилламоқ**. *Эшикни ёпинг, шамол ғуриллаяпти.*

ҒУРМУШЛАМОҚ *шв.* Безовта бўлмоқ, тоқатсиз бўлмоқ, тоқатсизланмоқ. *Назиржоннинг ҳам юраги ғурмушлай бошлади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Совуқ тушганидан юраклари ғурмушлаб кетган кишилар аллақачон далага кела бошлашган эдилар.* Я. Саъдуллаева, Она тупроқ.

ҒУРРА [*а.* غرّه – отнинг оқ қашқаси; гажак, кокил] Пешона ёки бошда ҳосил бўлган қаттиқ шиш. *Пешонамни ҳам ғурра қилди-я, эртагача ғурра ёзилиб кетса гўрга эди, шу турқу тароват билан одамларга қандай кўринаман.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Комиссар оғзидан кўпик келиб.. ётарди. Пешонаси ғурра, бироқ қошларининг усти қип-қизил қон эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Қутлуқхўжа.. ёшлигида ўз маҳалласидаги болаларга бош бўлиб, уларни қўшни маҳалла болаларига қарши «уруш»га олиб борар, ҳар вақт бурни қонаб, пешонаси ғурра бўлиб қайтарди.* М. Осим, Ўтрор.

ҒУРРАК [*а.* غرّ – қашқалдоқ] Каптарсимонлар оиласига мансуб, мусичага ўхшаш қуш; оддий ғуррак ёки қумри. *Ғуррак боласи. Ғуррак ғуриллаяпти.* ▬ *[Жўра] Ердан тош олиб, ғурракка отган эди, тош бақатерак шохига тегиб, ғуррак учиб кетади.* Н. Назаров, Замон.

ҒУРУБ [*а.* غروب – узоқ, олис; узоқликлар; кунботар томонлар; кунботиш вақти] *эск. кт.* Қуёшнинг ботиш пайти, кун ботиши. *Учлари ғуруб алангаси билан олтинланган сарвзорлар орасида шоир ва паҳлавон.. жим боришар эди.* Ойбек, Навоий. *Бурчакдаги тошойна, сервант устидаги соатда ғуруб шуъласи яллиғланар эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ҒУРУР [*а.* غرور – жаҳолат; хом (пуч) хаёл; манманлик, мағрурлик; кибр-ҳаво] **1** Инсоннинг ўз қадр-қимматини билиш, уни ҳурмат қилиш ҳисси; иззат-нафс. *Йигитлик ғурури. Қизлик ғурури.* ▬ *Унинг инсоний ғурури, табиатининг нозиклиги.. ёрдам сўрамоққа йўл қўймаган.* Ойбек, Навоий. *Аҳмад ўртоғига қойил қолмади. Эркак кишида ғурур деган нарса бўлиши керак..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Зиёлилар орасидан бир мард чиқиб, ўз миллий ғururини ҳимоя этишга ҳаракат қилди. Бу киши Себзор даҳасининг қозиси Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли эди.* «Фан ва турмуш».

2 Фахрланиш, мамнунлик туйғуси; фахр, ифтихор. *Шодлигидан терисига сиғмайди, кўнгли ғурур ила мастона чайқалади.* С. Сиёев, Аваз. *Санобар ўғлига ғурур ва меҳр билан жилмайиб қараб турар эди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *-Қишлоғимиз тупроғининг сеҳри бор, – дейди қариялар ғурур билан.* «Ёшлик».

3 Фахрланишга асос бўладиган нарса, кимса ва ш.к. лар. *Пахта – ўзбек халқининг миллий ифтихори ва ғурури.* ▬ *Муроттали севинч ва ғурури бўлган ўрикнинг таниш ва қадрли новдаларига шодиёна боқиб, ўрнидан турди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Халқимнинг қаҳрамони, ғурури бўлдинг.* У. Исмоилов, Сайланма.

4 Кибрланиш туйғуси, мағрурлик, кибр-ҳаво. *Олифта бойвачча кибр ва аҳмоқона ғурури ила креслода талтайганича қолди.* Ойбек, Нур қидириб. *Гапингнинг тузи қурсин, қизим! Ғурур ғурбатга солар, деган нақлнинг мағзини чақсанг-чи.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Камтарин бўл, ҳатто бир қадам Ўтма ғурур остонасидан.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ҒУРУРЛАНМОҚ **1** Мамнунлик, фахр ҳиссини туймоқ; фахрланмоқ. *Беморлар эрининг қўлидан шифо топганидан бениҳоя ғурурланарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Ватандошларимиз билан суҳбатлашар эканман, уларнинг тантилиги, зукколигидан ғурурландим.* «Ёшлик». *Элмурод.. бу ишга озми-кўпми ўз меҳнати сингганини ўйлаб, ўзидан ўзи ғурурланди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Мағрурлик, кибр ҳиссини туймоқ, шундай ҳолатда бўлмоқ; кибрланмоқ. *Эргаш дунёда шундай ажойиб нарсанинг борлигини Холмуроддан кўра яхшироқ билганидан ғурурланаётган кўринар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Парпихўжа ёғчи пойлоқчилик, чақимчилик ишининг муваффақиятларидан ғурурланиб.. тўплаган маълумотини сўзлаб*

бераркан, элликбоши уни тўхтатди. Ойбек, Танланган асарлар.

ҒУРУРЛИ 1 Ғурурланиш ҳисси кучли, ғурури баланд. *Ғурурли йигит.*

2 Кибр-ҳаволи; такаббур. *Аҳмад махдум аслида кибрли ва ғурурли одам.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҒУРУРЛИК *кам қўлл. айн.* **ғурур 1.** *Ёш аравакашда ўзига келишган ғурурлик ва одамийлик сезилар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *айн.* **мағрурлик.** *Отам.. ғурурлик орқасида кўпчиликни менсимай, колхоз ишига анчагина халақит берди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Уни биров айнитдими ё.. ғурурлик, саёқлик йўлига тушдими, билмайман..* Ойбек, Танланган асарлар.

ҒУРУРОНА [*а. + ф.* غرورانه – ғурурли, мағрурона, кибрли] *кам қўлл.* Ғурур билан, мағрурона. -*Нима қилсин, муаллимни соғиниб қолишган-да, – деб ғурурона жилмайиб қўйди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

ҒУРҒУРАК *шв.* Ғуриллаган шамол; елвизак. -*Деразаларга ойна солинмаган, борлари синиб тамом бўлди, – жаврай кетди кондуктор хотин ўрнидан туриб, – сизлар ҳозир тушиб кетасизлар, мен кечгача мана шу ғурғуракда дийдираб кун ўтказаман.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ҒУРҒУРАМОҚ *фольк.* Ўкиргансимон овоз чиқармоқ, ўкирмоқ (туя ҳақида). *[Ғиркўк] Туя бўлиб ғурғурайди, айиқ бўлиб чирқирайди.* «Хушкелди».

ҒУС *унд. с.* Итни тезлаш, қопиш, қувишга ундашни билдиради.

ҒУСЛ [*а.* غسل – ювиб тозалаш, бутун аъзога сув тегизиб ювиниш; таҳорат олиш] Пок бўлиш учун бутун баданни махсус тартибда ювиш; устидан сув қуйиб ювиниш, чўмилиш. *Мен, подшоҳ ғусл қилиб олсин учун, хонани занжирлаб қўйдим.* Газетадан.

ҒУСЛХОНА [ғусл + хона] Ғусл қилинадиган жой, хона. *Иситилган сув сатилларга кўтарилиб, ғуслхонадаги сув идишларига бўшатилаверди.* С. Айний, Қуллар. *Оғриқ ва ҳорғинликдан иҳраниб-иҳраниб, ғуслхонада ювинди.* «Ёшлик».

ҒУССА [*а.* غصّه – бўғувчи нарса; ғам, қайғу] Ғам-алам, қайғу. *Сой шалоласи ҳаётнинг ўзидек жўшқин, кучли. У Ойсулувнинг ғуссасини ютиб, бир текис шўх-шўх шарилларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йўлин йўқотса одам – муҳаббатга суянгай, Ғуссага ботса одам – муҳаббатга суянгай..* А. Орипов, Биринчи муҳаббатим.

ҒУССАЛИ Ғам-ғуссага ботган; ғам-аламли. *Онанинг юзида мулойим, айни пайтда ғуссали белгилар намоён бўлди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Одобли, маданиятли ҳар бир киши ўзининг хушмуомаласи билан ғуссали кишининг дилини чоғ қила олади.* Н. Валиева, Тиғ яраси битар-у..

ҒУССАСИЗ Ғам-ғуссаси йўқ, ғам-ташвишдан холи; ғамсиз. *Ғуссасиз юрак.*

ҒУСУЛ *айн.* **ғусл**.

ҒУСҒУСЛАМОҚ Қопишга, уришишга ундамоқ, олкишламоқ. *Итларни ғусғуслаб уриштирмоқ.*

ҒУЧ *айн.* **ғуж**. *Узоқдан кичик-кичик ғуч, дарёга яқин кўринган бу капалар катта-катта бостирма бўлиб, бир-биридан хийла узоқ ва дарёдан анча берида экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кўм-кўк барглар орасида тизилиб, ғуч-ғуч бўлиб, офтобда садафдек ярқираб турган тутни кўриб, жувоннинг ҳам оғзи сув очди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ҒЎДАЙГАН 1 Ғўдаймоқ фл. сфдш. *Йўл четидаги ғўдайган симёғоч.*

2 *кўчма* Қаддини доим ғоз тутадиган, иш-юмушга қовуша қолмайдиган. *Бола билан гаплаша олмайдиган, керагида эплаб овута олмайдиган ғўдайган аёлларни хуш кўрмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мастура ўша Акрам деган ғўдайганнинг туришини кўрсатиб, ўзи ҳам кулиб юборди.* «Ёшлик».

3 Мағрур, кибрли ва гавдасини ҳам шунга мос ҳолда тутадиган. *Ҳоди болалагида ҳам сал ғўдайганроқ эди. Шунинг учун ўртоқлари уни, Ҳодивой отига мослаб, «Ходавой» деб аташарди.* С. Аҳмад, Ҳодивой.

ҒЎДАЙМОҚ *с. т.* **1** Эгилмай, тик бўлиб турмоқ, қаққаймоқ. *Шудгор ўртасида битта симёғоч ғўдайиб турибди.* ▬ *Бунча ғўдаясиз, сал эгилинг, қулоғингизга айтаман..* «Гулдаста». *Қамчинбек ҳам.. кўча ўртасида ғўдайиб туравериб чарчади.* Мирмуҳсин, Супургига сажда.

2 *кўчма* Гаплашмай, иш ёки суҳбатга аралашмай турмоқ; серраймоқ. *Аъзам [Нафисанинг] саломига ҳам алик олмасдан, «гапинг бўлса гапиравер, иккала қулоғим сенда», дегандек ғўдайиб турди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. -*Бирор нарсани ушлаб*

турсангиз бўлмайдими, ғўдайиб турмай, – *деди зарда билан.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 *кўчма* Ўзини кибр-ҳаволи тутмоқ; кеккаймоқ. *Димоғдорлик, ғўдайиш каби иллатлар уларнинг касби. Подшоҳ саройи бундай одамларга тўлиб ётибди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳафиза эркак кишининг аввал қўл узатиши ножўя эканини билса ҳам ва келиб-келиб шу одамдан маданият талаб этаманми, ахир у ходадек ғўдайиб ўсган-ку, деди-да қўл узатди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҒЎДИЛЛАМОҚ *айн.* **ғудулламоқ**. *Шундан сўнг, ғўдиллаб сўкинган маҳрам белидаги узун тумшуқли түппончасини тўғрилаб қўйди-да, тўда ичидан ўнг қанотга чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ҒЎДИР *айн.* **ғудур**. *[Усмон аканинг] Кулча юз, сарғиш қошлари сийрак, япалоқ гўштдор бурни ғўдир юзига ёпишиб кетган.* Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим. *Унинг [чинорнинг] ўн тўққиз қулочлик ғўдир танаси ўзининг минглаб қатламлари билан гўё ҳаётнинг мангулигини тасдиқлаб туради.* А. Мухтор, Чинор.

ҒЎДРАНМОҚ *айн.* **ғудранмоқ**. *Жуманқул ота бошқа сўз айтмади. Ғўдрана-ғўдрана оғилхонага тушиб, оқ эшагини етаклаб чиқди.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

ҒЎЗА [*ф.* غوزه – пахта чаноғи; кўкнор чаноғи] **1** Чигитдан униб чиқиб, пахта ҳосили (толаси) берадиган, гулхайридошлар оиласига мансуб бир йиллик маданий ўсимлик, пахта ўсимлиги. *Ғўза чопиғи. Ғўзага сув тарамоқ. Ғўзани парвариш қилмоқ.* ▬ *Бир дона чигитдан ўттиз-қирқ кўсакли ғўза униб чиқади.* Туйғун, Бригадир. *Бўйи ердан тўрт бармоқ кўтарилган ғўза ораларига ёйилган хотин-қизлар, гулга қўнган асаларидек, ғайрат билан ишламоқда.* С. Айний, Қуллар.

2 *эск. айн.* **кўсак**. *Онам сандалда ўтириб, ғўза чувир, мен китоб ўқир эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сандалнинг бир чеккасида ғўза чувиб ўлтирувчи бир кекса кўр киши қўлидаги ғўзапўчоқ ва суғурган пахтаси билан бошини баланд кўтариб, ҳовлидаги сўзга қулоқ солиб туради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *с. т.* Шу ўсимлик ҳосили, пахта. *Бу йилги терган ғўза Бултургилардан тоза. Планлар юзга етса, Дунё тўла овоза.* «Қўшиқлар».

Кампирнинг дарди ғўзада *с.т. айн.* **кампирнинг дарди ғозада** *қ.* **ғоза**. *Кампирнинг дарди ғўзада, деганларидай бой амаким ҳам амирнинг келишини истайдилар.* С. Айний, Дохунда.

ҒЎЗАПОЯ [*ф.* غوزه‌پایه – пахтаси териб олинган ғўза новдалари] Ҳосили териб олинган ғўза ўсимлигининг пояси. *..йўлнинг икки томонида қуруқ ғўзапояси қолган, баъзи жойларда ғўзапояси ҳам юлиниб ялангочланган ерлар..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҒЎЗАПЎЧОҚ Пахтаси суғуриб олинган бўш кўсак; қовочоқ. *Ғози ғўзапўчоқ уюмидан ошиб тушиб, Умаралининг олдига келди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

Ғўзапўчоқ рўмол Ғўза пўчоғи шаклида қавариқ нақш солиб тўқилган ипак рўмол. *У ариқда наридан-бери қўлларини ювди-да.. токчага тахлаб қўйган ғўзапўчоқ рўмолини олиб чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҒЎЗАФУРУШ [*ф.* غوزه‌فروش – ғўза сотувчи, пахтафуруш] *тар.* Пахтани олиб сотувчи савдогар, пахтафуруш. *Туроббойнинг отаси Зиямат ака ғўзафуруш эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒЎЗАЧАНОҚ Кўсакни ташкил этувчи палла ёки чаноқларнинг ҳар бири.

Ғўзачаноқ қилмоқ Бирор нарсани ғўза чаноғига ўхшатиб кесмоқ, бўлмоқ. *Дастурхонда эндигина ғўзачаноқ қилиб сўйиб қўйилган анор доналари ҳақиқдай ялтирайди.* Й. Шамшаров, Довруқ.

ҒЎЛА [*ф.* غوله < غول – дев; жуда катта, улкан] **1** Дарахт танаси ёки ходадан кесиб олинган бўлак. *-Иккита сада ҳам сотиб олиб, чарх бўладиган.. ғўла кесиб тайёрлаб қўйдим..* – *деди [отам].* С. Айний, Эсдаликлар. *Абдуваҳоб гулзор орқасидаги хонадан бир неча арраланган ғўлаларни кўтариб чиқди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳовлида катта ёнғоқ ғўласи устида милтиғини тозалаб ўтирган Тўрабек.. чорбоққа қараб қўйди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Ғўлага ўхшаш, йўғон. *Унинг даллол қариндоши саватдай салласини олиб қўйиб.. қўнжи бир қарич, қурушқоқ маҳсили, қўпол ғўла оёқларини узатди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Юқоридан магнит подъёмниклари чўян ғўлаларини олиб келиб, печга ташлади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

Ғўладан келган Йўғон, ғўлабур. *Бир нафас ўтмай, кабинетга ғўладан келган, мўй-*

ловдор, қувноқ бир одам кириб келди. Мирмуҳсин, Занглаган қилич.

3 *кўчма* Кучли, асосли. *Бироқ кўчага чиқиш учун ғўлароқ važ керак эди. Важни дарров топдим..* А. Муқимов, Ақлим киряпти. *Гапнинг ғўласи бу ёқда..* «Муштум».

4 Кичик юмалоқ шаклли, ғўлак. *Ўқ ўрнида соғ лойни нўхатдек-нўхатдек ғўла қилиб, оғзига соларди-да, туппакни нишонга тўғрилаб, «туф» деса, мўлжалга олинган парранда тўп-тўп ерга тушаверарди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Кейин [тутни] қуритиб, ғўла қилиб олишди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

Кўз ғўласи *с.т.* Кўз соққаси. *Ғўласи чиқай-чиқай деб турган катта кўзлари кимга, нимага тикилаётганининг тайнини йўқ.* А. Муҳиддин, Қадаҳ.

ҒЎЛАБУР I [*ф.* غوله‌بر — ғўладай қилиб кесилган; ғўла кесувчи] Тўладан келган; чорпаҳил, бақувват (одам ҳақида). *Иккинчиси ёшроқ, ғўлабур, миқтидан келган, серҳаракат, кўзлари ўткир одам.* М. Осим, Искандар ва Спитамен. *Хона ўртасида бўйни калта ва йўғон, қошлари туташ ва қоп-қора ғўлабур бир йигит деведек қотиб турарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

Ғўлабурдан келган *айн.* **ғўладан келган** *қ.* **ғўла**. *Ғўлабурдан келган, қоп-қора, семиз киши оғир юриб, даврага чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ҒЎЛАБУР II: **ғўлабур арра** Икки томонидан икки киши тортиб ишлатадиган йирик тишли катта арра.

ҒЎЛАЙМОҚ *айн.* **олаймоқ**. *Бозорбойнинг ранги бир оз ўчиб, кўзлари ғўлайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҒЎЛАК [*ф.* غولک — тор бўғизли кўза; ғўлача] **1** Найчадан пуфлаб ёки палахмондан отиш учун лойдан ясалган думалоқ нарса. *Жойи бор, йўлаги йўқ, Палахмони бор, ғўлаги йўқ.* Мақол. ▬ *Қолган икки йигитни ҳам Султоннинг нусхаси деса бўлади. Фақат биттасининг бир кўзида ғўлакдек оқи бор.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Учига темир соққа бойланган таёқ, чўқмор. *[Йигитлар] Милтиқлардан бошқа қадимги камон, ғўлак билан қуролланган.. эди.* С. Айний, Дохунда.

Кўз ғўлаги *с.т.* Кўз соққаси. *Кўса маддоҳ.. кўзининг ғўлагини оқартириб, кўкка қараб қўл очди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҒЎЛДИЛЛАМОҚ *с.т.* Ғўлдирамоқ.

ҒЎЛДИРАМОҚ *айн.* **ғулдурамоқ**. *-Ўтган гапга салавот, ука, — деди полвон, худди хумга тушган аридай ғўлдираб.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *[Қулмуҳаммад] Баъзида ғўлдираб босинқирар, уйғониб кетиб, тангрига ёлвориб, нажот тиларди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ҒЎЛДИРЛАМОҚ *айн.* **ғудулламоқ**.

ҒЎЛДИР-ҒЎЛДИР: ғўлдир-ғўлдир қилмоқ *айн.* **ғўлдирамоқ**.

ҒЎНГ *тақл. с.* Қўнғиз, қовоғари каби ҳашаротлар товушини билдиради. *Катта қора қўнғиз ғўнг этиб учиб кетди.*

ҒЎНОН Икки яшар айғир ёки қўчқор. *Ғўнонга эгар урмоқ. Ғўнонни суғормоқ.* ▬ *Кўкраги кенг яйловлар, гўзал жойлар, Чопқиллашиб ўйнайди ғўнон тойлар.* Ҳабибий. *Қудаларнинг зиёфати учун керак бўлган ҳамма нарсаларни ҳам ҳозирлатган, улар келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун деб бир ғўнон қўйни оғилнинг устунига қантариб қўйган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒЎНҒИЛЛАМОҚ 1 «Ғўнг-ғўнг» деган товуш чиқармоқ. *Қовоғари секин ғўнғиллаб учиб ўтди.* П. Қодиров, Эрк. *Қоронғилик ичидан кеча қўнғизи ғўнғиллаб учиб, ўзини чироққа урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзламоқ, пўнғилламоқ, дўнғилламоқ. *Палмон, худди ўлаётган кучукка ачиниб гапиргандай, ўзича ғўнғиллар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Аҳмад Ҳусайнни мудроқ босганда, тақводор ота ғўнғиллаб, қуръон ўқишга киришди.* Ойбек, Нур қидириб.

ҒЎНҒИРЛАМОҚ *айн.* **ғўнғилламоқ.**

ҒЎНҒИР-ҒЎНҒИР *тақл. с.* Эшитилар-эшитилмас ёки биров тушунмайдиган тарздаги овозни билдиради. *Деразаларни қиров бойлаганидан қоронғи бўлиб қолган хонада тўртта чол ғўнғир-ғўнғир гаплашмоқда эдилар.* С. Аҳмад, Уфқ. *Холдорнинг ғўнғир-ғўнғир ёлвориши эшитилар эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Кумушнинг уйидан кети узилмай келиб турган хотинларнинг ғўнғир-ғўнғири ҳам унинг [Отабекнинг] уйқусига халал берар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҒЎР [*ф.* غور — хом, пишмаган узум] **1** Пишиб етилмаган, хом (ҳўл мева, қовун-тарвуз ва ш.к. лар ҳақида). *Ғўр узум. Ғўр олма.* ▬ *-Йўқ, [қовун] ғўрроқ чиқди, ўзингизникини сўйинг, — деди Комила, чиндан ранжиб.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 *кўчма* Қиёмига етказилмаган, пишиқ ишланмаган, хом. *Ғўр асар. Ғўр шеър.* ▬ *Баъзан газеталаримизда ғўр, шаблон, кишиларни зериктирадиган материаллар ҳам босилади.* Газетадан.

3 *кўчма* Ҳаёт тажрибаси кам, турмуш қийинчиликларини кўрмаган. *Ғўр бола.* ▬ *Бундай ғўр ходимларни анча-мунчасини учратган Толиб ака бошқача йўл тутди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мутахассисларимизнинг ҳам аксарияти кам тажриба, ўқишни яқинда битирган ғўр ёшлар эди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ҒЎРА [*ф.* غوره – пишмаган, хом узум ёки бошқа мева] **1** Ўрикнинг пишиб етилмаган меваси, довучча. *Баҳор эди. Ўриклар гулини тўккан, ғўралар қинидан чиқиб, еса оғиз маза топадиган бўлиб қолган.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Тошхўжа қаёққа кетаётганини ҳам унутди шекилли, шўхлиги тутиб, шохлари девордан ошиб ётган ўрикдан бир ҳовуч ғўра сидириб, оғзига солди.* А. Мухтор, Чинор. *Сувонжон оғзидаги ғўрани у лунжидан бу лунжига ўтказаркан, ҳайрон қолди. Ёнғоқда ўрик битмайди-ку?* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Умуман, пишиб етилмаган мева, ғўр мева. *Олча ғўраси, Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар.* Мақол. ▬ *Ток гуллаб бўлганидан кейин, гуллар ғўрага айланганда ўтказиладиган иккинчи хомтокни эса ғўра хомток дейилади.* М. Собиров, Хомток.

3 *кўчма айн.* **ғўр 3.** *Қутулиш тадбирини излаб турганда, ғўра қиз янги таъна, янги ўпка билан йигит юрагини тирнарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нурмат ҳали пишмаган – ғўра, Етгани йўқ ҳали тобига.* Д. Файзий.

ҒЎРАЛАМОҚ Ғўра ҳосил қилмоқ, мева тугмоқ. *Боғдаги токлар зангидан баргигача шовул-шовул шўралабди, ўриклар-чи, шохи тўла ғўралабди. Камбағалнинг куни туғибди.* Ё. Шукуров, Уч савол.

ҒЎРАЛИК Ғўра ҳолат. *Мен уни [ўрикни] пишгунича қўймай, ғўралигидаёқ тамомлайман.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

ҒЎРАША Яхши ишлов берилмаган, майин ҳолга келмаган, дағал (тупроқ, лой ҳақида). *Ғўраша лой.* ▬ *-Чигитни қуёшда қизитиб эксак, тупроқ ғўраша бўлмаса бас, – деди сўзини маъқуллатиб Хадичахон.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Ерларимиз кечагина ғумай, тикан, янтоқ босиб ётган қақир, ғўраша ерлар эди.* М. Исмоилий, Икки қиз ҳикояси.

ҒЎРИЛЛАМОҚ I Шиддат билан елмоқ, елиб кирмоқ. *Хонанинг ҳавоси яхши алмашиб турадиган бўлиши, аммо ундан шамол ғўриллаб ўтиб турмаслиги лозим.* Газетадан.

ҒЎРИЛЛАМОҚ II *айн.* **дўрилламоқ**. *Норматовнинг қисташи билан Али тириш дуторни олиб, реза куйларга тушди ва ўзининг ғўриллаган ёқимсиз товуши билан пойма-пой яллаларни бир қатордан айтиб чиқди.* Ғайратий, Менинг ёшлигим.

ҒЎРЛИК Ғўр ҳолат, ғўр эканлик; «хомлик». *Меванинг ғўрлиги.* ▬ *Шу билан Саидийнинг ғўрлиги натижасида туғилган хавф босилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *-Кечиринг, мендан кўп ғўрлик ўтди, – деди Нафиса.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

ҒЎР-ШЎР Пишмаган, хом, ғўр мевалар. *Ғўр-шўрни кўп ема.*

ҒЎТИЛЛАМОҚ «Ғўт-ғўт» товуш чиқармоқ.

ҒЎТ-ҒЎТ *айн.* **ғат-ғат.**

ҒЎЧ *шв.* Мард, ботир. *-Осилган ким? -Қиётлик ғўч йигит.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қиз боланинг сочидан анқиган ҳид билан ғўч йигитнинг билагида тошган тер ҳиди..* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.



ҲА I *юкл.* **1** Жавобда бирор фикрни тасдиқлашни, розиликни билдиради. *-Шу гаплар тўғрими? -Ҳа. -Шу йигит укангизми? -Ҳа.* ▬ *Ҳа, рост, беморларнинг кўпи ҳар ердан келган одамлар..* С. Кароматов, Олтин қум. *-Ҳа, — деди Ориф Носиров. — Қадимда сайёрамизда фазогирлар бўлишгани тўғрисида.. баъзилар айтишган.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Бирор фикрни, фактни алоҳида қайд этади, таъкидлайди. *Муқаддам бир нафас қулоқ солиб, бу куйни аввал ҳеч қаерда эшитмаганини сезди. Ҳа, бу янги куй эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳа, бечоранинг бошига мушкул иш тушиб турипти.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

3 Кутилмаганда бирор янги нарса, ҳодиса, фикр ёдга тушганда, бирор кимса ёки нарсани эслашга уринишда, суҳбат мавзусини ўзгартириш каби ҳолларда «айтгандай», «айтмоқчи» деган маънони билдиради ёки шу сўзларга хос маънони таъкидлаб, унга эътиборни тортади. *Ҳа, яна бир янгиликни эшитинг.* ▬ *Оти қурсин.. Ҳа, айтгандек, ошингизни ейсизми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Ҳа, гап бу ёқда денг! — деди.. сўзларни урғуларга бўлиб.* С. Кароматов, Олтин қум. *Бир ойдан бери минамиз-ку, янги от, янги фойтун. Катта майдондаги саройда. Ҳа, қўшишни, ҳайдашни биласанми?* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲА II **1** Сўроқ ва тахмин маъноларини таъкидлаш учун ишлатилади; сўроққа эътиборни жалб этади. *Ҳа, нега рангинг бўзариб кетди?..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ҳайдар ота уни очиқ чеҳра билан қарши олишга ҳарчанд уринса ҳам, Асрорқул зийраклик қилиб: -Ҳа, зерикканга ўхшайсан-ку, — деди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Ҳа, уста, тинчликми?..* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ундов гаплар таркибида (*а* товуши турлича — кучли, чўзиқ ва бошқача айтилиб) маъқуллаш, норозилик, таажжуб каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. *-Ҳа, ноинсоф, ҳа, кўппак! — Қоратой бойни сўка бошлади..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳа, баракалла.. катта хўжаликка хўжайин бўласиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Ҳа-а! — деб юборди Зиё ака ва бир оз ўйлагандан кейин сўради: -Буни сиз аниқ биласизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор иш-ҳаракатга ундашни, шу маънода қўллаб-қувватлашни билдиради. *Ҳа, бўла қолинглар, вақт кетяпти. «Ҳа» деган туяга мадор.* Мақол.

4 Бирор иш-ҳаракатга ундаш, қисташ маъноларини англатади. *Ҳа, тез бўл. Ҳа, қараб турасанми?* ▬ *Одамлар Тожибойни тартибга чақириб чуғурлашди: -Ҳа, сал оғир бўл! Енгиллик қилма!* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Таажжуб, норозилик, рад этиш каби маъноларни англатади. *Ҳа, нега бундай дейсиз? Ҳа, гуноҳимиз нима?* ▬ *-Ҳа, Бўтабой ака, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз? Тинчликми? -Тинчлик, — деди Бўтабой.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Бировга мурожаат қилганда, «ҳой» ёки «ҳо» сўзлари ўрнида ишлатилади. *Карим, ҳа Карим, менга қара.*

ҲАБ [*а.* حب — дона, дон; кичик-кичик шарчалар шаклида тайёрланган нарса, дори] Ютиш учун мош каби юмалоқ ёки яс-

миқ каби ялпоқ қилиб тайёрланган дори; таблетка. *Ҳаб дори. Ҳаб ютмоқ.* ▬ *Бошқалар бунга эришиш учун аллақандай ҳабларга муҳтождир.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Дераза олдида ҳайкалдай турган ўғлидан яшириб, ҳабдай «қора»ни уриб, ютиб олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲАБАДА *шв.* Ҳабата.

ҲАБАТА [*а.* هبطه – тушиш, пасайиш, камайиш] Ўринсиз исроф этилган, бекор кетган; беҳуда.

Ҳабата бўлмоқ Бекор (беҳуда) кетмоқ. *Шу бир оғиз сўз билан унинг барча меҳнатлари ҳабата бўлди.* **Ҳабата қилмоқ** Бекорга чиқармоқ, беҳуда, бефойда ҳолга келтирмоқ. *Ана.. ўзингиз биласиз.. майда нарсалар билан меним умримни ҳабата қиладилар.* «Муштум».

ҲАБАШ [*а.* حبش – эфиоп]**1** Ҳабашистон (Эфиопия) ҳамда Африканинг шарқи-шимолидаги бир неча маҳаллий халқ ва қабилаларнинг умумий номи (*қ.* **ҳабашлар)**.

2 Шу халқ, қабилаларга мансуб. *Ҳабаш аёл.*

ҲАБАШБАШАРА [ҳабаш + башара] Ҳабашга ўхшаган, тани қора, занжи. *Залда уни кутиб, барра қўзининг жунидек жингалак соч, қора кўз, қоп-қора ҳабашбашара Муса соатига қараб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАБАШЛАР Ҳабашистон (Эфиопия) ҳамда Африканинг шарқи-шимолидаги бир неча маҳаллий халқ ва қабилалар. *Икки-икки, дея диконглаб ўйнаётган ёшу қари орасидан биронтаси ҳам ўзбекка ўхшамайди, ҳатто ҳабашлариям бор.* Газетадан.

ҲАББА *эск.* Ҳа, шундай; ҳа айтгандай, айтмоқчи. *Онанг кеч қайтади, бинобарин, таомни барвақтроқ қилсанг ҳам бўлади.. Ҳабба, таомни ўзинг билан Анвар акангга лойиқ қил.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАБИБ [*а.* حبيب – севикли; дўст, ўртоқ] **1** *поэт.* Дўст, севикли. *Ҳабибим банд этар кўнглимни. Табибим панд этар доим. Билолмасман, бу савдода, На суду на зарар бўлғай.* Э. Воҳидов.

2 Ҳабиб (эркаклар исми).

ҲАБО [*а.* هباء – чанг-тўзон, гард] *шв.* Ҳавода сузиб юрувчи чанг зарралари, гард, хок. *..унинг наърасидан тегра чангиб, ҳабо босиб, еру осмон ларзага келди.* Н, Ёқубов, Жон.

ҲАБС [*а.* حبس – қамаш; қамоқхона] *айн.* **ҳибс**. *Ижроқўмимиз олдида бурун қоқиш ҳафталик ҳабс демакдир.* «Муштум».

ҲАБСХОНА *айн.* **ҳибсхона**. *Биз худди ана шу ҳақда районнинг панжарали ҳабсхонасидан мўралаб, яна бир топқир «кайф» сурар эдик.* «Муштум».

ҲАВАС [*а.* هوس – ақлини йўқотиш; эҳтирос; майл, иштиёқ; бирор нарсага ғоят берилганлик, кучли истак] **1** Қизиқиш, завқ ҳисси; шундай ҳис-туйғули муносабат. *Энди у бояги дилсиёҳликни унутган, осмони фалакда чарх ураётган турналарга ажиб бир ҳавас билан боқарди..* С. Аҳмад, Юлдуз. *Гулчеҳра ёш жувонларга хос бўлакча ҳавас билан безатилган меҳмонхонага кирди-да, диван четига омонатгина ўтирди.* О. Ёқубов, Ларза. *Ҳавасга анор ейди, дейсиз шекилли..* А. Қаҳҳор, Анор.

2 Бирор иш-фаолият, касб-корга бўлган рағбат, интилиш, истак, майл. *Боланинг китоб ўқишга ҳаваси – билимга иштиёқининг ифодаси.* Р. Усмонов, Одобнома. *Кўнглида дўппи гулларини тикишдан ўзга ҳавас йўқдай, дарров ишга тушиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шифокорлик касбига Насиба жуда эрта ҳавас қўйди.* Газетадан. *Ҳусайн Бойқаронинг ёшликдан шеърга ҳаваси кучли эди.* Ойбек, Навоий.

Ҳавас қилмоқ Ҳавас ҳис-туйғуси уйғонмоқ, ҳавас билан қарамоқ, муносабатда бўлмоқ (**ҳавас** – ҳар икки маъносида). *..дадаси ҳавас қилиб, шаҳардан махсус келтириб эктирган президент гуллар куртак ёзиб қолган эди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У кўнгли кенг.. анча-мунча нарсани ичига бемалол сиғдириб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб юришни ҳавас қилади.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Санобарнинг чап юзида холи.. бўлиб, кўпгина қиз-жувонлар унга ошкора ҳавас қилишарди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. **Ҳаваси келмоқ** Ҳаваси қўзғамоқ, уйғонмоқ; ҳавас билан муносабатда бўлмоқ; ҳавас қилмоқ. *Сенга ҳавасим келади. Умринг олдинда ҳали.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..кечқурунлари ўртоқлари висолга отланишса, ҳаваси келадиган, ўзи ҳам Гавҳар билан нурли оқшомларда сайр этишни орзу қиладиган бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Китоб йиғишга ҳавасманд Бобур бу китобга жуда ҳаваси келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҲАВАСАК(И) *шв.* Ҳавас қилинадиган, орзу қилинган, ҳавасга арзирли. *Дастурхонга шу ернинг буғдойидан тайёрланган нон келтирилди. Қорамағиз нон шаҳардан келган меҳмонлар учун ҳавасак эди.* Газетадан.

ҲАВАСКОР [*а.* + *ф.* هوس‌کار – ҳавас қилувчи, қизиқувчи; ишқибоз] Бирор нарсага қизиқадиган, уни яхши кўрадиган (шахс); ҳавасманд, ҳавасли, ишқибоз. *Ҳаваскор овчи. Мусиқага ҳаваскор.* ▬ *Набигулнинг айтишича, булар маҳалладаги ҳаваскор созандалар эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Бу ерда ўнлаб ҳаваскорлар сувга тиззагача тушиб олиб, балиқ овлашяпти.* Газетадан. *Ёзувчиликка ҳаваскор бўлган ёш талантларнинг асарларини илгаригидек хомхатала босиб чиқаришга барҳам берилган дейиш мумкин.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Касб, ҳунар, санъат ва ш.к. бўйича машғулотлар олиб борадиган махсус тўгарак қатнашчиси (асосан ёшлар ҳақида). *Тикувчилар артелининг ҳаваскор созандалари тўгараги бутун состави билан келган.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Биринчи машғулотда ҳаваскор шоирларнинг шеърлари янгради.* Газетадан. *Бугун ҳаваскорларимиз телевизорда чиқади. Уларни кўрмабсан, дунёга келмабсан..* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

ҲАВАСКОРЛИК 1 Ҳаваскорларга оид, ҳаваскорлар билан иш, машғулот олиб бориш. *Очиқ саҳнада бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари бўлди.* Газетадан. *Жўрахон раҳбарлигида ҳаваскорлик тўгараклари, спорт ишлари жонланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Ҳаваскорга хос ҳолат, даража. *Ўрол Тансиқбоев ҳаваскорликдан.. кўзга кўринган рассом-пейзажчи бўлиб етишгунга қадар катта меҳнат ва ижодий изланиш йўлини босиб ўтди.* Газетадан.

3 Ҳаваскор эканлик. *Сенинг санъатга ҳаваскорлигингни биламан.*

ҲАВАСЛАНМОҚ Ҳаваси уйғонмоқ, ҳаваси келмоқ; ҳавас қилмоқ. *-Тўйбеканинг мақтаганича борми ўзи? -Бор, — деди кутидор ва ҳавасланди: -Худо кишига ўғил берса, шундайини берсин-да!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Маъюс-маҳзун хотираларга берилиб, ҳавасланганлар ҳам бўлди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой. *..шунча унга тикилиб ҳаваслангамидан уялганигами, юзлари лов-лов ёнарди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Сувга, унинг ойнадай тиниқлигига Ғуломжон жуда ҳаваcланиб қараб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАВАСЛИ Ҳаваси бор, ҳавас қўйган; ҳавасманд. *Мен бу суҳбатдан Пиракнинг ақли расо ва ҳар нарсани ўрганишга ҳавасли бўлганини пайқадим.* С. Айний, Эсдаликлар. *Саидий ашула айтишга ҳавасли: ўзи ёлғиз қолган вақтларида айтади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАВАСМАНД [*а.* + *ф.* هوسمند – ҳаваси, кучли истаги бор; ҳаваскор] *айн.* **ҳавасли**. *Шу пайтда Бешариқдан Қўқонга, олти ойлик курсга ҳавасманд қизларни юбораётган эдик.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *У палов қилишга жуда ҳавасманд эди.* Ў. Икромов, Унутилмас хотиралар. *Ёшлар ичида санъат соҳасига ҳавасмандлар ҳам йўқ эмас.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

ҲАВЗ [*а.* حوض – сув тўпланган жой ёки сув идиши; бассейн ёки челак] *эск. кт. айн.* **ҳовуз**. *Гаҳи айвонда ҳайқирса айиқдек, Гаҳи ҳавз ичра чайқалган қайиқдек.* Ҳабибий.

Ҳавзи Кавсар Ислом дини мифологиясида: жаннатдаги, сувлари тиниқ ва ширин деб таъриф қилинадиган Кавсар номли чашма. *Калима келтир, бетавфиқ! Бу беш кунлик дунёнинг лойқа сувини нима қиласан, жаннатдаги ҳавзи Кавсарни ўйла, аблаҳ!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАВЗА [*а.* حوضه – ҳовуз; бассейн; челак; доира] **1** *геогр.* Дарё ёки кўлга қуйиладиган, уни ташкил этадиган ирмоқлар мажмуи ҳамда шу дарё ёки кўл атрофидаги мазкур ирмоқлардан сув оладиган ҳудуд (территория). *Амударё ҳавзаси. Иссиқкўл ҳавзаси. Чирчиқ ҳавзаси.* ▬ *Наймандан тортиб то Мирзаоролгача дарё бўйидаги ерларни авваллари.. эккан деҳқонлар дарё бўйидаги қаторасига кетган катта-кичик бешта ҳавзага ўрнашган бўлиб, бу ҳавзаларнинг ҳар бири бир маҳалла, ҳаммаси Капсанчилар қишлоғи деб аталади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Сув йўлини тўсиш, тўғон қуриш йўли билан ҳосил қилинган катта сунъий кўл; сув омбори. *Қайроққум сув ҳавзаси.* ▬ *Бу сув ҳавзалари, каналлар сув омборлари ва дарёларни лойқа босишига сабаб бўлиб, халқ хўжалигига маълум зарар етказмоқда.* «Фан ва турмуш».

3 *геол.* Тошкўмир, руда каби ерости бойликлари кўп бўлган кенг бир ҳудуд. *Тошкўмир ҳавзаси. Руда ҳавзалари.*

4 Атрофи баланд, ўртаси товоқ шаклидаги паст, кенг майдон. *Бу пастқамлик хийлагина катта ҳавза бўлиб, унинг теваракатрофида паст-баланд уйлар, эгри-бугри деворлар, булар орасида сўппайиб турган якка-дукка дарахтлар кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 *с.т. қ.* **бассейн**. *Республикамизда стадионлар, сузиш ҳавзалари.. спорт майдончалари сони муттасил кўпайиб бормоқда.* Газетадан. *Талабалар маданият саройи, спорт комплекси, сузиш ҳавзаси хизматидан бемалол фойдаланадилар.* Газетадан.

ҲАВО I [*а.* هواء – атмосфера, ҳаво; иқлим; шамол; об-ҳаво] **1** Ер атмосферасини ҳосил қилувчи, инсон, ҳайвон, ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган, асосан азот ва кислороддан иборат газлар аралашмаси. *Тоза ҳаводан нафас олмоқ. Ҳавони ифлослантирмоқ. Тоғ ҳавоси. Арча дарахти ҳавони яхши тозалайди.* ▬ *Ҳаммага маълумки, ҳавода зарарли микроблар кўп бўлади.* Газетадан. *Қуёш, ҳаво, сув барча жониворлар учун озуқа бўлганидек, халқ ҳаёти ёзувчига илҳом беради.* Газетадан.

2 Ер устини қоплаган очиқ бўшлиқ; фазо. *Рўмолини ҳавода силкиди. Ҳаво жанги.* ▬ *Нафасни бўғадиган, кўзларни кўр қиладиган чанг-тўзон булути ҳавони тутди.* Ойбек, Навоий. *Ҳавода момиқ оқ пахталар арғамчи бўлиб юрарди.* Газетадан. *Боғ устида оромбахш шабада эсар, ҳавода кўкатлар иси анқирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Осмон, кўк. *Қушлар гур этиб, ҳавога кўтарилди.* ▬ *Ёмғир эндигина тинган, кеча қоронғи эди. Ҳавода битта ҳам юлдуз кўринмайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Йигитлар муштларини кўтарди. Кексалар ҳассаларини ҳавога қадади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Атмосферанинг аҳволи; ҳолати; об-ҳаво. *Очиқ ҳаво. Ҳавонинг ҳарорати. Булутли ҳаво. Куз ҳавоси.* ▬ *Қутбиддин ҳавонинг тез-тез айниётганини кўриб, лагерни пастроққа кўчиртирди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳаво бунчалик паст келиб, шарманда қилишини қаердан билайлик.* «Муштум». *Деҳқон осмонга қараб, яхши ҳаводан қувонса, ерга қараб, мўл ҳосилидан суюнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 *кўчма* Ҳолат, шароит. *Мен ўйлайманки, бу беш йил мобайнида сиёсий ҳаволар ўзгариб..* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

Ҳавога кетмоқ Беҳудага, фойдасиз кетмоқ. *Ўзининг шунчалик гапларининг ҳавога кетиб турганини.. яхши сезди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ҳавога совурмоқ (***ёки* **соврилмоқ)** Бекорга, фойдасиз кетказмоқ, сарфламоқ. *Эллик минг сўмни ҳавога совуриб қўйиб, маҳмадоналик қилишини қара-я!* «Муштум». *..бир неча минг сўм давлат пули ҳавога совриляпти.* «Муштум».

ҲАВО II [*а.* هواء – инжиқлик, ноз; хаёлий ҳавас, орзу] *кам қўлл.* Кибр, ғурур. *Йўқ, сал ҳавоси баландроқ чиқиб қолди бу боланинг.. нима бўлса ҳам, омон бўлсин.* Ў. Ҳошимов, Кўприк. *Кўп бўлмайди яхши одамнинг ҳавоси.* «Ойсулув». *Мақтовдан Бозорбойнинг ҳавоси ошди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАВО III [*а.* هواء – фантазия, эркин шаклдаги мусиқа] Куй, оҳанг. *Машшоқлар чолғуларини қўлга олдилар. Энди гузарда шовқинли катта ўйин ҳавоси эмас, ширин, майин ҳужрабазм садоси оқа кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *«Ур!» деган команда берилгач, ноғорачилар «рез» ҳавосида ноғора чала бошладилар, ясовуллар ҳам ўша ҳавода чўпларини шартиллатиб, Ёдгорнинг қипланғоч этига ура бошладилар.* С. Айний, Дохунда.

ҲАВО IV: **ҳавосини олмоқ** Машқини олмоқ, йўл-йўриғини, усулини яхши эгалламоқ. *Бир умр кўникиб, ҳавосини олган бу иши энди ўзига ҳам ваҳимали кўриниб қолдими.. «энди жавоб беринглар», деб туриб олди.* А. Мухтор, Чинор. *Кимнинг билагида кучи бўлса, ким ишнинг ҳавосини олса, кимнинг камбағаллик жонига теккан бўлса.. бу ишдан бир нима чиқишига ишонса, ўша зарбдор бўлаверади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАВОДОР I [*а.* + *ф.* هوادار – тарафдор, мухлис; маълум ҳавога эга, ҳавоси тоза] *кам қўлл.* Тоза ҳаволи, баҳаво. *Ҳаводор бино.* ▬ *Мажидиддин.. янги боғчасида.. дарахтлари ёш, лекин ҳаводор ерда зиёфат берарди.* Ойбек, Навоий.

ҲАВОДОР II Ўйинчи, ашулачи, созанда кабиларга тўй, зиёфат эгалари ва томошабинлардан тушадиган пул ва совғалар.

Ўйинчи, чўнтаклари, дурра таглари ҳаводорга тўлиб, даврадан чиққанда, одамлар уввос тортиб, чапаклар, қарсаклар билан, оҳ-войлар, қичқириқлар билан яна сўрадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кеча сахий бойваччадан ҳаводорни кўпроқ оламан деб бўкиравериб, овозни ишдан чиқарган экан-да.* «Муштум».

ҲАВОДОР III [*а.* هوادار – инжиқлиги, нози бор] Кибрли, димоғдор. *Ҳалиги иккиси ҳаводор одам эди, бу етимни кўзларига илмай, айтаётган сўзлари..* «Гўрўғли».

ҲАВОЗА [*ф.* خوازه – зафар дарвозаси; айвон, равоқ; тахтасупа] **1** Қурилиш ёки таъмир ишлари учун девор ёнига ёғоч ёки металлдан қават-қават қилиб ишланган вақтинчалик қурилма. *Қаерга борманг, қаёққа кўз ташламанг, ҳамма ерда ҳавозаларга бурканган.. қурилиш объектларини кўрасиз.* Ҳ. Носиров, Марралар. *Усталар мўри ичида эҳтиётдан тўрт қават қилиб қурилган тахта ҳавоза устида ишлашади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Кўчма ҳавозалар ғилдираклар устига ўрнатилган, уни паст, баландроқ қилиш ҳам мумкин эди.* Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари.

2 Устига чиқиб, атрофни кузатиб туриш мақсадида тепаликка сепоя ёки чорпоя шаклида, аксар ёғочдан ўрнатилган қурилма. *«Шом камони» таърифи мерганлар аро Эрон билан Туронда бўлган овоза, Полизларда узоқдан кўринар қаро, Чалинарди кўзларга баланд ҳавоза.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

3 *шв.* Токни ердан юқорига кўтариб қўйиш учун ишланган қурилма. *Сўри ҳавозаси остидаги устунчаларнинг ҳар бири ёнида – ариқчалар бўйида бир беҳ ток ўтказилган бўлиб, токларнинг занги устунчалар орқали ҳавоза устига чиқарилган.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҲАВОЙИ [*а.* هوائى – ҳаво, атмосферага оид; инжиқ, нозли, тантиқ] **1** Ҳаво рангли, оч кўк, кўкимтир. *Стол устидаги кўк абажурли чироқдан Қундузхоннинг юзига ҳавойи бир нур тушиб турарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Пастга боқмоқдаман: на бир қалъа бор, На қаққайган дарахт, на бахмал водий, На ҳавойи рангда ёнган жийдазор, На серрайган кекса тоғлар аждоди.* С. Акбарий.

2 Ҳавога кўтарилган; баланд. *Кўринг, анави ўрта аср биноси қанчалик нафис ва пурвиқор, миноралар қанчалик ҳавойи ва хушбичим-а!* С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак.

3 *кўчма* Енгил-елпи, жиддий бўлмаган; осон. *Ҳавойи ишлар билан шуғулланмоқ.* ▬ *-Чиндан ҳам бўзчининг мокисидек эшоннинг ичкари-ташқариси ўртасида бепул оёқдан ҳориб, қатнаб юришдан кўра, ҳавойигина, бозорда ашула айтиб, ўйнаб юриб пул топишга на етсин! – деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Мавлоно, мендан энди ҳавойи ғазаллар кутманг. Энди фақат халқим дилини куйлайман.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 *кўчма* Енгил табиатли; енгилтак, беқарор. *Ҳавойи одам.* ▬ *-Енгилтак қиз, – деб ўйлади Комил, ичидан қайнаб-тошаётган ғазабини зўрға босиб. – Шу ҳавойи олифтани деб, мени ерга уряпсан-а!* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Уйдагилар менинг ҳавойироқ бўлиб қолганимни билишади, бир амаллаб ўқиб кетади, деб ўйлашганми, якшанба куни қариндош-уруғлар маслаҳатга йиғилишганди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бир ҳавойи эрни деб, тарки дунё қилмоқчимисиз?* Газетадан.

5 *кўчма* Асосга эга бўлмаган, асоссиз, юзаки. *Ҳавойи ваъдалар. Ҳавойи рақамлар.* ▬ *Фикрингиз жуда ҳавойи ва тамом нотўғри.* И. Султонов, Бургутнинг парвози. *Жўравой ака, наҳотки у* [*Пўлатжон*] *мени енгилтак, ҳавойи нарсаларга учадиган қиз, деб ўйласа.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ҲАВОЙИЛАНМОҚ 1 Ўзини юқори тутадиган бўлмоқ, мағрурликка берилмоқ. *Ортиқча ва ўринсиз мақтовлардан у сўнгги вақтларда анча ҳавойиланиб кетди.* ▬ *Чойхонадан тушадиган даромад ҳам чаккимас. Афтидан, шуниси Абдурауф Тўрабоевни андаккина ҳавойилантирди.* «Муштум».

2 *айн.* **ҳавойилашмоқ**.

ҲАВОЙИЛАШМОҚ Енгил-елпи ишга, бекорчиликка ўрганиб қолмоқ. *Ҳавойилашиб қолган одам.*

ҲАВОЙИЛИК Ҳавойи ҳолат, ҳавойи эканлик. *Ҳавойиликка чек қўй. Рақамларнинг ҳавойилиги.*

ҲАВОЛ 1 Ичи зич эмас, орасида бўшлиқ бор; ғовак. *Дамбанинг тагидан, тупроқ ҳавол жойдан дарё суви отилиб, каналга оқарди.* Газетадан. *..катта бир омборнинг деворини уриб, орқасида ҳавол ер борлигини билди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Куч билан эмас; секингина, бўш. *Аҳмад паҳлавон унинг* [*хўжанинг*] *белбоғидан*

ҳавол ушлади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҲАВОЛА [*а.* حواله – пул ўтказиш, топшириш; чек, вексель] **1** Изм-ихтиёрига топшириш, зиммасида бўлиш. *Ҳар кимнинг сўзи, қилмиши қалбига, виждонига ҳавола.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Мана бу кресло ҳам сизга ҳавола. Менга бир оддийроқ стул берсангиз бўлади..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Фикр, мулоҳаза ва ш.к. ҳақида маълумот учун бирор манбага қарашга ундаш, шу манбани кўрсатиш. *Қўшимча маълумот учун саҳифа охирида тегишли адабиётларга ҳаволалар берилган.*

Ҳавола қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) ихтиёрига топширмоқ, зиммасига юкламоқ. *Бу одамга қандай вазифа беришни ўзларингга ҳавола қиламиз..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..Нарзи тоға ўзини тақдирнинг ҳукмига ҳавола қилганича, индамай эшакни қистарди.* «Шарқ юлдузи». *Келинглар, ихтиро бўлими хулосасини министрликка ҳавола қилайлик.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон; 2) маълумот учун зарур манба (адабиёт) ни кўрсатмоқ, унга диққатни қаратмоқ (*қ.* **ҳавола 2**); 3) *кам қўлл.* юқори кўтармоқ, ўқталмоқ, кўрсатмоқ. *..бутун кучини ишга солиб, уни бир ёқли қилиш учун қўлини ҳавола қилган эди, ногоҳ қўлини нимадир омбурдай қисиб, ҳавода муаллақ ушлаб қолди..* К. Яшин, Ҳамза. *..қўрқитарга боши узра қамчи ҳавола этдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Девор тепасида.. қўлида ялтироқ нарсани ҳавола қилиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАВОЛАМОҚ 1 Юқорига, ҳавога кўтарилмоқ; юқориламоқ, баландламоқ. *Асад қўйди моделин, Учди модель ҳаволаб, Оппоқ қанотларини Қоқди қуёшни чоғлаб.* Т. Тўла. *Майорнинг самолёти ботқоққа яқинлашганда, юқорилаб ҳаволади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Бепоён даштлар узра тўрғайлар ҳаволади.* Т. Мурод, Қўшиқ.

2 *кам қўлл. қ.* **ҳаволанмоқ 3.** *Насриддин хўп хурсанд, ҳаволаб, Гап-гаштакдан қайтганида кеч, Тўлиб кетди Ойчучук хола: Болам, дарров уст-бошингни еч!* М. Али, Боқий дунё.

ҲАВОЛАНМОҚ 1 *айн.* **ҳаволамоқ 1.** *Қиздирилган чирмандадек таранг ой аста-секин ҳаволанаверди.* Газетадан.

2 Умуман, ҳавода ҳаракатланмоқ. *Шапалоқдек мошранг ток барглари енгил шамолда тебранади, қариб сарғимтил бўлган барглар чирт узилиб, ҳаволаниб, ерга тушади.* Газетадан. *..номаълум нуқтага қадалган нигоҳи беихтиёр, худди парашютдай ҳаволаниб, ерга тушаётган катта бир баргга қадалди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 Мағрурланмоқ, ғурури ошмоқ. *Енгил ғалабадан ҳаволанган Эрон қўшини массагетларнинг чекинаётганини эшитиб, зудлик билан уларни таъқиб эта бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Маданиятли киши ўзидаги яхши фазилатлардан, гўзалликдан ҳаволанмайди.* М. Алавия, Гўзаллик нимада? *-Қари одамни муштумдай бола олдида ҳақорат қилганингиз, болангизни ҳақ одам олдида ноҳақлик билан ҳимоя этганингиз яхшими? Болангиз бундан ҳаволанмайдими? – деди Расул ака хотинига.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ҲАВОЛАТМОҚ Баланд кўтармоқ, юқорилатмок, баландлатмоқ. *Извошчи узун қамчисини бошида баланд ҳаволатиб қарсиллатди-да, отларга қараб қичқирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Муродхон қўлига олмани олиб, ҳаволатиб, Чўлпонойни мўлжаллаб отди.* «Муродхон». *Ориқ киши зўр бериб ниманидир тушунтирмоқчи бўлар, қўлларини ҳаволатиб-ҳаволатиб олар эди.* И. Шомуродов, Мағлубият.

ҲАВОЛИ I Ҳавоси бор, ҳавога эга бўлган; баҳаво. *Сиқиқ ҳаволи баллон. Бузуқ ҳаволи хона.* ▬ *Ёпчон асрий сирларни Бағрига олган қишлоқ. Ёпчон хушбўй ҳаволи, Фараҳбахшдир, кенг қучоқ.* Ғайратий. *Қишнинг биринчи ярми қуруқ келди. Бу очиқ ҳаволи кунлар деҳқонларга ёқмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қиш бўронлари ўтган, баҳорнинг юмшоқ ҳаволи кунлари бошланган.* С. Айний, Қуллар. *Мактаб олдида ҳаволи чорбоғлар ташкил этилган.* Газетадан.

ҲАВОЛИ II Ўзини бошқалардан юқори тутадиган; кибрли, худбин, димоғдор. *Бошқалардан ўзини азиз тутган ҳаволи киши ўз мақсади йўлида ҳар қандай тубанликдан, ярамасликдан қайтмайди.* М. Алавия, Одамлик – одмиликда.

ҲАВОЛЛАНМОҚ Ҳавол бўлмоқ, ғовак ёки бўш бўлиб қолмоқ. *Гоҳ ўнгирлардаги таги ҳаволланиб қолган, патирдай юпқа музга айланган қор парчаси тагидаги лойни*

ғижимлаб.. бўз тупроқни ковлаб юрган Парпи иссиқлаб кетди. Й. Шамшаров, Бахт излаб.

ҲАВОН [*а.* هاون – келисоп, ўғир дастаси] Синч девор устунларини тик тутиб туриш учун устунларнинг тепа қисмидан қияроқ тираб, михлаб қўйиладиган ёғоч, тирагич.

ҲАВОНЧА *қ.* **ҳовонча.** *Баъзилари.. чинор, қайрағочлар остидаги шийпончаларда олдиларига ҳавончадай ё ўғирдай вино бочкаларини қўйиб, тош кўрада кабоб пишириб, улфатчилик қилмоқдалар.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ҲАВОРИЙ [*а.* حوارى – издош, шогирд; Исо пайғамбар издоши] *дин.* Исо пайғамбарнинг 12 шогирдидан бири. *Ривоятда айтилишича, Исо пайғамбарнинг 12 ҳаворийсидан бири Иуда 30 та кумуш танга эвазига хиёнат қилган экан.* «Фан ва турмуш».

ҲАВСАЛА [*а.* حوصله – сабр, тоқат, чидам, ҳафсала] *қ.* **ҳафсала**. *Ҳадемай карнайгуллар жуда ҳавсала билан чиройли қилиб тортилган ипларга чирмашиб, катта-катта япроқлар отди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАД(Д) I [*а.* حدّ – даража; чек, чегара; охир, поён, ниҳоя] **1** *эск. кт. айн.* **чегара 1**.

2 *кўчма* Белги, ҳаракат ва ш.к. нинг ўлчам, даража, миқдор жиҳатидан муайян ҳолати; чек, меъёр, ниҳоя. *Ҳадд-ҳисобсиз. Ҳаддига етмоқ. Ҳаддан зиёд(а). Ҳаддан ортиқ (ташқари).* ▬ *Ёдгор ҳам хурсанд, хурсандлигининг ҳадду поёни йўқ эди.* С. Айний, Дохунда. *Ойша бегим ҳаддан ортиқ уятчан..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Салимбойваччанинг кайфи – мастлиги ҳаддига етган.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Иш сиз деган ҳаддан ўтибди! – деди кескин эътироз билан Ҳусайн Бойқаро.* Ойбек, Навоий.

3 Бирор ишни қилиш имкон-ихтиёри, ҳақ-ҳуқуқи. *Остонадан ҳатлаб чиқишга ҳадди йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хафа бўлманг, биз ҳақ олмасдан ишлаймиз. Ахир биз қулмиз-ку, ҳақ талаб қилишга ҳаддимиз борми!* Мирмуҳсин, Меъмор.

Ҳад қилмоқ *кам қўлл.* Журъат қилмоқ, ботинмоқ. *Аввалига бу мўътабар зот ҳаёти асосида очерк ёзмоқчи бўлдим. Бироқ ҳадеганда бу ишга ҳад қилавермадим.* Р. Раҳмон, Халқ профессори. *Йигит бўла туриб, бу гапни мен дангал айтолмаганман-у, қиз бола ҳад қилармиди.* Газетадан. **Ҳаддан (***ёки* **ҳаддидан) ошмоқ** Бирор иш, хатти-ҳаракатда тартиб-қоида, меъёр доирасидан чиқмоқ. *Тилингизни тийинг, ҳаддан ошманг!* ▬ *Тартиб-интизомга қарамай, ҳаддидан ошиб кетадиганлар бор.* С. Нуров, Нарвон. *Ясовулбоши ҳаддидан ошиб кетди, тўйларни бузади, созчиларни уради..* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ҳадди сиғмоқ** Бирор иш, хатти-ҳаракатни қилиш имкон-ҳуқуқига эга бўлмоқ; журъат қилмоқ, ботинмоқ. *Бошлиқ бўлганингиздан кейин гапириш эмас, танбеҳ беришга ҳам ҳаддингиз сиғади.* С. Нуров, Нарвон. *Мозорга тил теккизишга қандай ҳаддинг сиғди, муртад!* К. Яшин, Ҳамза. *Уни гап билан енгиб бўлмаганидан ташқари, у қилиб юрган ишдан кулиб, масхаралашга ҳам ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ҳаддини олмоқ** *айн.* **ҳадисини олмоқ** *қ.* **ҳадис** II. *Альпинист деганча бор экан. Юришнинг хўп ҳаддини олган экан.* М. Мансуров, Ёмби. *Ишни йўлга қўйиб олайлик. Тикувчиларимиз унинг ҳаддини олгач, янгиликни такомиллаштириб, чиқимни камайтириш қийин эмас..* Ҳ. Қодиров, Янгилик ошиғи.

ҲАД II [*а.* حدّ – чек, чегара, марра] *мат.* Тенгламани ташкил этувчи сонлардан ҳар қайсиси ёки сон ўрнида ишлатилган белгилардан биттаси. *Номаълум ҳадни топиш. Четки ҳадларни кўпайтириш. Ўрта ҳадга тақсимлаш.*

ҲАДАФ [*а.* هدف – нишон; мўлжал; финиш, сўнгги нуқта] **1** *эск. кт.* Бирор нарса отиш ёки зарб бериш учун мўлжалга олинган нарса; нишон. *Шунга ўхшаш, мулла Абдураҳмон ҳам, муҳокамасига озгина ғараз аралаштириб, Сафар бўзчининг аччиқ ҳақоратига ҳадаф бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Эришиш, қўлга киритиш кўзда тутилган, ҳаракат йўналтирилган нарса; мақсад. *Сиз ҳурматлиларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдирадирган туёғимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз, умид ҳадафимиз фақат шул Отабекдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАДАҲА *шв.* Тезлик билан, тездан, дарров. *Милициялар ҳадаҳа отланиб, йигирма одам бўлиб, ёв-ярогини осиб, отига қамчи*

босиб, йўл тортди. «Очилдов». *Дўстим, сен ҳадаҳа қайтмоқ бўлибсан. Борсанг яхши бўларди.* «Муродхон». *Шаҳарда на балчиқ босиб юрибсан, дея ўғлини ҳадаҳа қистибастига олмоқчи эди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *..ҳадаҳа тўшакка ўтираркан, сингилларига шивирлади.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

ҲАДДИЛИ *фольк.* Ҳар бир нарсага ҳадди сиғадиган, тап тортмай аралашаверадиган; ўктам. *Авазхон кампирга қараса, ҳаддили, зўр кампирга ўхшайди, сирини яширди.* «Балогардон». [*Барчин*:] *-Ҳаддили, зўр қалмоқ экан, бизни кўриб айланишиб юрмасин, — деб ўрнидан туриб, уйига кириб бораётир.* «Алпомиш».

ҲАДЕБ Тез-тез ва давомли равишда, такрор ҳолда; нуқул. *Ҳадеб кулаверма. Ҳадеб бир гапни такрорламоқ.* ▬ *Лола Мураджонга тик қарагани юраги дов бермас, ҳаяжонини босиш учун ҳадеб кафти билан сумкачасининг боғичини силар эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Қўйинг, тақсир, сатранж ҳам жонга тегди, ҳадеб қолаверасиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ҳадеб қоринни ўйлаш керак эмас..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАДЕГАНДА Талаб этилган, кутилган вақт давомида; тезгина, дарров. *Гап ҳадеганда қовушавермади. Ҳадеганда уйга қайтавермади.* ▬ *Ичкаридан ҳадеганда жавоб бўлавермади.* Н. Аминов, Суварак. *Кенжа ҳадеганда қозон атрофида айланиб юрган бой болаларига қўшилолмай, бир чеккада турарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Куёви қаттиқ чарчаган экан, бирпасда пиш-пиш ухлаб қолди. Аммо Толибжонни ҳадеганда уйқу ололмади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ҲАДЕМАЙ Кўп вақт ўтмай, оз фурсатда, тез орада; тезда, бирпасда. *Ҳадемай тонг отади. Ҳадемай меҳмонлар келишади. Ҳадемай ўқиш бошланади.* ▬ *Машинага йўл писанд эмас. Ҳадемай Мирзачўлга етиб борди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Ҳадемай карнайгуллар жуда ҳавсала билан чиройли қилиб тортилган ипларга чирмашиб, катта-катта япроқлар отди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАДИК Бирор кимса ёки нарсадан салбий таъсир, зиён-заҳмат етишидан, шунга сабаб бўладиган ҳолатдан қўрқув, чўчиш; шу ҳақдаги ўй, хаёл. *Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан.* Мақол. ▬ *Милициянинг машинасини биров кўрмадимикин, деган ҳадикда девордан кўчага қарадим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бир куни Аҳмаджон минг ҳадик билан қизни кинога таклиф қилди.* Ф. Насриддинов, Кўнгил. *Сифатсиз маҳсулотдан сотувчи ҳам ҳадикда.* «Муштум». *Йигитнинг унсиз боқиши унда ҳадик уйғотар, шу билан бирга ҳузур бахш этар эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

Ҳадик олмоқ Кўнглида ҳадик уйғонмоқ; ҳадиксирамоқ, чўчимоқ. *Малика шоҳдан ҳадик олиб, хавфсираб юрар эди.* «Баҳром ва Гуландом». *Абдусамад қори.. «демак, Бўтабой Ўрмонжондан ҳадик олганидан шундоқ қилган экан», деган қарорга келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАДИКЛАНМОҚ Ҳадиксирамоқ, хавфсирамоқ; қўрқмоқ. *..ўртоқларининг чақириб қолишидан ҳадикланган Собир қўйларини Оқтош юқорисига жилдирган эди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ҲАДИКЛИ Ҳадик, хавфсираш, қўрқув туйғуларини ифодаловчи. *Очликдан мадорсизланган онанинг ва кепак қатирмадан кўз олмаётган ярим яланғоч болаларнинг ҳадикли қараши Майнанинг кўнглини бузиб юборди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҲАДИКСИЗ Ҳадиксирамасдан, қўрқмай. *Сиз ҳадиксиз юраверинг. Ҳадиксиз киши.* ▬ *Равшанхон ҳеч ҳадиксиз у элга ҳам кириб боради.* «Равшан». *Бизнинг сатрлар Ёв йўлин тўсар, Қатнасин ҳадиксиз Пўлат карвонлар.* Ғ. Ғулом.

ҲАДИКСИРАМОҚ Ҳадик олмоқ; хавфсирамоқ, чўчимоқ, қўрқмоқ. *Абдибилол, акасининг гапини эшитиб қолишларидан ҳадиксираб, ён-верига қаради.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Фармонқул ака, нега қуёнга ўхшаб ўз соянгиздан ҳадиксирайдиган бўлиб қолдингиз?* С. Маҳкамов, Шогирд. *Бирор одам узоқ қараб қолса борми, ҳадиксираб, кечаларни уйқусиз ўтказарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАДИКЧИ Ҳадиксираш одати кучли, ҳар нарсадан ҳадиксирайверадиган. *Соясидан қўрқар ҳадикчи, Ип кўринар унга илондек..* А. Мухтор.

ҲАДИС I [*а.* حديث — сўз; суҳбат; ҳикоя, ривоят] **1** *дин.* Ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба, Муҳаммад пайғамбарнинг фаолияти ва кўрсатмалари ҳа-

қида ривоятлар мажмуи (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг турли шароитларда шариат аҳкомларига оид айтган сўзлари ҳам ҳадисдир). *Бир қанча мўътабар китоб, оят ва ҳадисларни қараб чиқдим.* Ғайратий, Довдираш. *У* [*Тешабой*] *ҳам, ўз пайғамбарларининг ҳадисини бузган ёки фирибгарлик, қилвирликлар билан ўз пайғамбарларини алдаган риёкорлар сингари динидан ҳам чиқмас, шариат олдида муртад ҳам бўлмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аҳмадхўжа ўз хатида, Мадрасаи олияда тафсир, ҳадис, илми кимё каби турли илмлар ўқитилишини ёзган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Ҳадис оши *ёки* **оши ҳадис** Муҳаммад пайғамбарнинг айтиб қолдирган сўзлари, у ҳақидаги ривоятларни ўқиш, эшитиш мақсадида ўтказиладиган зиёфат, йиғин. *Асти нимасини айтасиз. Оши ҳадисда етмишга кирган ҳазратимниям кўзлари шоҳсоққадек ўйнаб кетди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Ҳадиси шариф** *айн.* **ҳадис 1**. *У* [*Султонмурод*] *диний китоблар — ҳадиси шариф, ҳатто қуръон оятларидаги.. таъбирлар ҳақида савол бериб, устозларнинг ғашига тегарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳадиси шарифда буюрилишича, одам аввало ўзига, кейин аҳли аёлига [оила аъзоларига] ёрдам берса, рисоладагидек бўлади.* Газетадан.

2 *эск. кт.* Бирор кимсанинг айтган сўзлари ёки гаплари; ривоят, ҳикоя. *Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғойибона, Кайфият ўлди зоҳир жоми шароб кўрмай.* Фазлий. *Сенга балки аён, балки ноаён, Бир ҳаёт ҳадисин айлайин баён.* А. Орипов, Йиллар армони.

ҲАДИС II [*а.* حديث] **1** Кураш, беллашув кабиларда қўлланадиган ўзига хос усул. *Полвонларнинг кураш ҳадисларининг ўз номи бор.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди. *У бир ҳадис ишлатар, ёвга тупроқ тишлатар..* Миртемир.

Ҳадис олмоқ Бирор усулни қўллаш мўлжалини қилмоқ. *Бу эндиги саволнинг дебочаси эканини синашта бўлиб қолган Шоҳгадо дарров пайқади. Ҳадис олган полвондек ҳозирлик кўриб турди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Ҳадис қилмоқ** *эск.* Усул ишлатмоқ, бирор усулни (усулларни) машқ қилмоқ. *Улар [паҳлавонлар] бир-бирларини синаш учун ҳадис қилиб, узоқ айланиб юрдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Спортнинг бу турини ўзлаштириб олганига қаноат ҳосил қилгач, классик курашни ҳадис қила кетди.* «Муштум».

2 *с.т.* Бирор ишни уддалашга бўлган эп; малака, маҳорат. -*Қозоғистонлик полвоннинг ҳадиси анча зўр экан, — деди Тўламат мўйлов.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йўқ эди бойқушнинг ҳадис — ҳунари.* «Алпомиш».

Ҳадисини олмоқ Бирор иш, касб-ҳунарни, унинг йўл-йўриғи, усулини яхши эгалламоқ, машқини олмоқ. *Ўз касбининг ҳадисини олган ҳайдовчи қий-чувга парво қилмай, танга-чақа санайди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул. *У йўлига ғов бўлганларни турли йўллар билан тинчитишнинг ҳадисини олган.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Мажлисларни олиб бориш унгагина топширилар, у регламент ва бошқа тартиб-қоидаларга риоя қилишнинг ҳадисини олган..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ҲАДИСШУНОСЛИК Ҳадисларни ўрганиш; ҳадис илми. *[Насаф] Ўзининг бой тарихи мобайнида ҳадисшунослик мактабларидан бири даражасига кўтарилди.* «Шарқ юлдузи».

ҲАДСИЗ *эск. кт.* Чексиз, поёнсиз. *Бир вақтлар сувсизликдан торс-торс ёрилиб кетган даштларда эндиликда ҳадсиз ғаллазорлар шовуллаб ётибди.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. *Эй, сен муаззам ва ҳадсиз саҳрода адашган саргардон сайёҳ!* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Белгининг энг юқори даражасини билдиради; беҳад, ниҳоятда, ғоят. *У, дунёда энг қимматли, энг қодир буюмини топиб олган каби, ҳадсиз севинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Козим унинг кўзларига ҳадсиз бир ғусса соя солганини сезди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Чуқур қайғу, ҳадсиз кин билан Йўлчи бир неча маҳаллани айланиб чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАДЯ [*а.* حديّة — совға, туҳфа] Тақдим этилган нарса; совға, тортиқ, туҳфа. *Подшоҳнинг зиёфатига ҳамма савдогарлар ҳадялар олиб боради.* «Эртаклар». *Сочилади сочқи, ҳадя, тўёна, Шўх болалар қий-чув илиб олмоқда.* Миртемир. *Зокир Фаридага пушти гулли панбархат ҳадя қилган, «шу рангни яхши кўраман», деб бир неча марта айтган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Ҳадя қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Ҳадя (совға) бермоқ, тортиқ қилмоқ. *Мунис ҳам уни яхши кўрарди. Баъзи нарсаларни унга ҳадя қилган эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *..ҳайҳотдай қўшни хонада хонга оқпошшо ҳадя этган улкан соатнинг тақиллашидан бўлак товуш эшитилмасди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАЁ [*а.* حياء – уят, шарм; ор, номус; камтарлик, адаб] Ножўя, номаъқул хатти-ҳаракатдан тийилиш ҳисси; уят, шарм. *Вафосизда ҳаё йўқ, Ҳаёсизда вафо йўқ.* Мақол. ▬ *Ҳаё – инсоннинг энг олийжаноб фазилати, унинг кўрки, безаги.* С. Кароматов, Вобкентлик ошиқ. *Одамда ор-номус, ҳаё бўлиши керак, Жўрахон! Ахир эрингиз бор-а!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ҳаё қилмоқ *кам қўлл.* Уялмоқ. *Шоир қалби билан баъзан кўзимни Қизларга буришдан қиламан ҳаё.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ҲАЁЛИ Ножўя хатти-ҳаракатдан ўзини тортадиган, ҳаёси бор. *Аҳмад бу соф, ҳаёли, содда қизга жуда ширин сўз айтгиси келди..* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҲАЁН *эск.* Фойда, наф. *Бир мири ҳаён, уч мири зиён.* Матал. ▬ *У* [*Тешабой*] *савдогар отаси Болта кўпаснинг «ҳаён кўтарса, зиёндан қочма», деган васиятини кўз ўнгида тутади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У.. елкасини қисиб: -Шунақа бир ҳаракат бор эди, ҳадисини олмаган одамга қийин экан, ҳеч ҳаён чиқмади, – деб қўя қолибди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Пахтадан келган ҳаён чорвага ямоқ бўлиб кетарди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ҲАЁСИЗ Ҳаёси йўқ, уятсиз. *Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит.* Мақол. ▬ [*Соҳиб Доро*:] *Ҳаёсиз билмагай ҳеч бир вафони, Вафога алмашур шоҳлар жафони.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бозоров «севгиси»нинг ҳам миси чиқди. Энди у ҳаёсиз бошини қуйи солиб, қўл учида қарсак чалиб, лой бўлиб ўтирибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Вой шўрим.. Вой бети йўқ қиз! Вой ҳаёсиз қиз!* С. Зунуннова, Гулхан.

ҲАЁСИЗЛАШМОҚ *кам қўлл.* Ҳаёсиз бўлмоқ, ҳаёни унутмоқ. *Тарбутисларнинг қутуриб кетгани рост.. Лекин Бахўр йўқлиги учун тарбутислар ҳаёсизлашдилар дейиш, албатта, нотўғри.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ҲАЁСИЗЛИК Ҳаёсиз бўлиш, ҳаёсизга хос хатти-ҳаракат, хусусият, қилиқ. *Василий бир куни ҳовлида бир неча болаларга икки қўлни тахтага қўйиб, икки оёқни осмонга қилиб, «стойка» қилишни ўргатаётган эди, қори кўриб қолиб, чидаёлмай бақирди: -Ҳай-ҳай, бу қандай ҳаёсизлик тағин!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАЁТ I [*а.* حيات – яшаш, мавжуд бўлиш, тириклик] **1** Материянинг ўз ривожланишининг муайян бир давридаги ҳаракатланиш шакли. *Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши. Ўсимликлар ҳаёти.* ▬ *Яқин атрофимизни ўрганиб, фақат сайёрангизда ҳаёт борлигини аниқлаганимизга анча бўлди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Инсон, ҳайвон, ўсимликларнинг туғилгандан (юзага келгандан) ўлгунга (йўқ бўлгунга) қадар бўлган физиологик ҳолати, тирик, мавжуд, яшаётган ҳолати. *Кўз жуда мураккаб оптик система бўлиб, киши ҳаётида кўзнинг яхши кўриши муҳимдир.* Газетадан. *Бир авлоднинг ҳаётича давр ичида нур деган сўз эрмакдай бошланиб, асрларнинг ҳокими бўлиб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Унинг ҳаёт асари қолмаган юзи яна хиралашди..* К. Яшин, Ҳамза.

Ҳаёт бағишламоқ (*ёки* **бахш этмоқ**) 1) дунёга келтирмоқ, туғмоқ; 2) ўлимдан сақламоқ, яшашга имкон бермоқ, имкон яратмоқ. *..мени дор остидан қутқариб, менга яна ҳаёт бағишладингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу билан бирга, ўзига ҳаёт бахш этган ҳакимнинг хизматига ҳамиша камарбаста бўлиб турди.* К. Яшин, Ҳамза; 3) ҳаёт, яшаш шароити, имконияти билан таъминламоқ. *Она табиат инсонга турли-туман неъматларни инъом этиб, унга ҳаёт бағишлаб туради.* Газетадан. *Мана, субҳидам пайти, қуёшнинг заррин нурлари ҳамма ёққа ҳаёт бағишлаяпти..* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Сув оқади, қон каби бориб, Ғўзаларга бахш этар ҳаёт.* Ғайратий.

3 Яшаш муддати; умр. *Тўй – киши ҳаётидаги энг яхши орзу-умидларнинг ушалиши.* Газетадан. *Гапни чўзма, чунки ҳаёт қисқадир.* М. Жўра, Изтироб. *Олима ҳаётининг охирига қадар халқ учун покиза виждон билан хизмат қилди.* «Саодат».

Ҳаёт кечирмоқ Умр кўрмоқ, яшамоқ. *У билан бирга ўттиз йил ҳаёт кечирдик.* ▬ *Қорақалпоқ халқи янги шаҳарларда, қулай,*

ёруғ, баҳаво уй-жойларда ҳаёт кечирмоқда. «Ўзбекистон қўриқлари».

4 *кўчма* Ҳаёт бағишловчи, ҳаётни таъминловчи нарса. *Электр симлардан ҳаёт оқади.* «Гулдаста». *Ҳаракат — иссиқлик, иссиқлик — ҳаёт демак.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Нон ҳидида ҳаёт бор, Ҳар мағзида мамот бор.* Газетадан.

5 Киши ва жамиятнинг яшаш тарзи, ҳолати; турмуш, тирикчилик. *Ижтимоий ҳаёт. Оилавий ҳаёт. Ёзувчининг ҳаёти ва фаолияти. Республика ҳаёти. Маҳалла ҳаёти.* ▬ *Билим юрти талабаларининг ҳаёти ҳар томонлама сермазмун ўтмоқда.* Газетадан. *Ўшнинг баланд-паст лой томлари шаҳардаги қашшоқ ҳаётнинг гувоҳидек мунғайиб турипти.* С. Кароматов, Олтин қум. *Шу ҳаёт, шу турмушдан гадолик аъло.* Ғайратий.

6 Бизни ўраб олган реал борлиқ, воқелик. *Ҳаёт жуда қизиқ-а?! Бировлар — асал, бировлар заҳар бераркан.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Ҳаётда шундай одамлар борки, улар бутун умрларини фақат бир ишга, бирон касбга бағишлаган бўладилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

7 *сфт.* Яшаб турган; тирик. *Ким билади, балки ҳаётдир ва, эҳтимол, ҳаётга ётдир.* Ҳ. Олимжон. *Шу дарча чолингиз ҳаёт вақтида ҳам қийшиқ эди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

8 *кўчма* Жонланиш, уйғониш. *Редакцияда ҳаво юришиб, ҳаёт аломатлари пайдо бўлгандек туюлди Аҳмадга.* Ф. Мусажонов, Химмат.

9 Ҳаёт (хотин-қизлар исми).

ҲАЁТ II [*а.* حياط — девор; ҳовлига туташ боғча], **ҳаётча** *шв.* Хўжалик ёнидаги кичик экин майдони, томорқа, боғча, чорвоқ. [*Холисхон*:] *Мана шу ҳаётчанинг орқасида тор кўча бор, бундан қаёққа боришни ўзим билмайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҲАЁТБАХШ [*а.* + *ф.* حيات‌بخش — ҳаёт бағишловчи, тирилтирувчи] **1** *миф.* Ўликни тирилтирадиган, қайта жон киргизадиган.

2 Организм учун ҳаёт бахш этувчи. *Шеърки, ўз соҳибининг қонидан пайдо бўлар экан, ўшал қон каби ҳаётбахш бўлмоғи лозим эмасми?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қуёш ўз ҳаётбахш нурларини тағин мўл-кўл соча бошлади.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар. *Тортиқ этмиш табиат Хуш иқлим, тоза ҳаво. Сувлари зилол, шарбат, Ҳаётбахш, дардга даво.* Ё. Мирзо.

3 *кўчма* Кишини жисман, руҳан тетиклантирувчи, жонлантирувчи. *Баҳорнинг ҳаётбахш руҳи совуқдан ёшланган кўзларда, кўкарган юзларда барқ урди, диллар исиб кетди.* А. Мухтор, Чинор. *Зубайданинг овози ёқимли, ҳаётбахш эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шерали шу ҳаётбахш лаблардан кўзларини узолмай қолди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҲАЁТИЙ [*а.* حياتى — ҳаётга, тирикликка оид] **1** Ҳаётга, яшашга, тирикчиликка оид. *Ҳаётий жараёнлар. Ҳужайраларнинг ҳаётий вазифаси.*

2 Ҳаёт учун зарурий, ҳаёт талабидан келиб чиқувчи, ҳаёт талаби билан боғлиқ. *Унинг орзуси бир қарашда романтик қасоскорнинг орзуси бўлиб кўринса-да, тагидаги ҳақиқат чуқур, ўта ҳаётий.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Хўжалигимизда ҳали ечилиши ғоят зарур бўлган ҳаётий вазифалар кўплаб кўзга ташланади.* «Ўзбекистон қўриқлари». *..унинг билан суҳбатда зарур ва ҳаётий масалалар гаплашиб олинган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Ҳаёт билан боғлиқ, ҳаёт учун типик (бўлган), ҳаётдагига мос, тўғри келадиган. *-Асосий масала асарда айтилмоқчи бўлган фикрнинг ўқувчи қалбига яқин ва ҳаётий бўлишида, — деди Саид Аҳмад.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Ҳаётий воқеаларни умумлаштириб, сермазмун бадиий асарлар яратган ва яратаётган журналистлар кўп.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Рассом шоир ва маърифатпарварнинг сиймосини ҳаётий қилиб ишлай олган.* Газетадан.

ҲАЁТИЙЛИК **1** Ҳаётга оид, ҳаёт билан боғлиқ бўлиш; шундай белги-хусусиятга эгалик. *XV аср Ҳирот санъатига хос бўлган ҳаётийлик халқчилликка ҳам олиб келади.* «Фан ва турмуш». *Бу билан улар бадиий ижоддаги энг муҳим фазилатга — ҳаётийликка эришаётирлар.* «Шарқ юлдузи».

2 Яшаш, ривожланиш қобилияти (қудрати)га эгалик; яшовчанлик. *Буюк алломa ғояларининг ҳаётийлиги.*

ҲАЁТ-МАМОТ **1** Ҳаёт ва ўлим. *Ҳаммаси ҳам бир-бирисиз босолмайди илгари, Боғлиқ экан бир-бирига ҳаёт-мамот сингари.* А. Мухтор.

2 Ҳаёт ёки ўлим, яшаш ёки ўлиш; тақдир. *Беркитишнинг нима ҳожати бор: ҳо-*

зир, шу дақиқаларда, бутун ҳаёт-мамотинг шу опамизнинг қўлларида.. Д. Нурий, Осмон устуни. *Шайбонийхон чоршанба куни ҳаёт-мамоти ҳал бўлишини сезиб, бор истеъдодини, бутун тажрибасини ишга сола бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу ҳаёт-мамот кураши, бек афанди!* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲАЁТЧАН 1 Яшашга қобилиятли; яшовчан. *Ҳаётчан тузум. Ҳаётчан ғоя.*

2 Ҳаёт билан боғланган, ҳаётдан олинган; халқчил. *Улар [масхарабозлар] ўзларининг ҳаётчан санъатлари билан меҳнаткашларга ёқимли ҳаяжон, дилни яйратадиган беғубор кулги, истиқболга ишонч бахш этиб келган.* М. Қодиров, Халқ томошаларида урф-одатлар.

ҲАЖ [*а.* حجّ — муқаддас жойларни зиёрат қилиш; Маккани, Каъбатуллони тавоф қилиш] Макка шаҳрига бориб, зулҳижжа ойида белгиланган тартиб-қоида ва одатларга амал қилган ҳолда, Каъбани тавоф ва зиёрат этиш. *Авлиёлардан биттаси уч мартаба ҳажга бориб келган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Худо насиб қилса, ҳажга кетиб, гуноҳларимни ўша ёқда ювиб келаман! — деб ният қилди отам.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳар йили минглаб ўзбекистонлик мусулмонлар ҳаж амалини адо этиб қайтишмоқда.* Газетадан.

ҲАЖВ [*а.* هجو — бировдан кулиш; масхара, мазах қилиш; сатира] Айрим шахс ёки ижтимоий ҳаётдаги нуқсонларни кулги остига олиб, масхаралаб айтилган (ёзилган) гап, жумла, байт, асар. *Аваз айрим мунофиқ, нодон кимсалар хусусида ҳажв айтди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Муқимийни кўрганлар кам бўлса ҳам, лекин уни оғиздан оғизга ўтиб келган дилтортар ғазалларидан, кулдириб ичакузар ҳажвларидан танийдиганлар кўп эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У деворий газетанинг редколлегия аъзоси эди, прогулчиликка қарши чиқарилаётган шошилинч сон учун уч-тўрт банд ҳажв ёзиб боришни илтимос қилишди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Ҳажв қилмоқ Масхарали гап-сўз, байт ва ш.к. билан танқид остига олмоқ. *У Аваз-нинг тили заҳарлигини, бировни ҳажв қилишга усталигини билади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Шоир «Мадҳий»нинг бўлса яна аҳволи маълум: хонни мақташ, ўзига ёқмаганни ҳажв қилиш, хотинбозлик, баччабозлик билан овора бир бетайин.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАЖВИЁТ [*а.* هجويّات — ҳажвиялар, сатиралар] Ҳажвиялар, ҳажвлар, ҳажвий асарлар. *Бобур ҳажвиёти айрим кишилар характеридаги бахиллик, бадфеъллик, ғийбатчилик каби салбий хислатларга ҳам қаратилган.* «ЎТА».

ҲАЖВИЙ [*а.* هجوى — кулгили, сатирик] Ҳажв йўли билан тасвирланган, ҳажв қилиб ёзилган. *Ҳажвий асар. Ҳажвий шеър.* ▬ *Элмурод дастлабки пайтларда гапхўр улфатларга газета янгиликлари ва «Муштум» журналининг ҳажвий мақолаларини ўқиб бериш билан кифояланар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Орзиқул.. фермадаги ишни танқид қилиб, ҳажвий қўшиқ айтган, шундан бир оз кейин мудир вазифасидан четлаштирилганди.* О. Ҳусанов, Яхшиларга эргашдим.

ҲАЖВИЯ [*а.* هجويّه — кулгили, сатирик асар] Ҳажв билан айтилган, ёзилган шеър ва ш.к. *Санъаткор, халқ ҳажвиясининг кулги, киноя, пичинг йўлларидан фойдаланиб, персонажларнинг жонли нутқини образли халқ тили ёрдамида беради.* «ЎТА».

ҲАЖВЧИ Ҳажв қилувчи, ҳажвий асар ёзувчи. *Мавлоно Абдулвоси деган машҳур ҳажвчи-латифачининг сўз ва ҳаракатлари ҳамманинг ичагини узди.* Ойбек, Навоий. *Форс-тожик адабиётининг классиги, машҳур ҳажвчи адиб Убайд Зоконийнинг туғилганига 700 йил тўлди.* Газетадан.

ҲАЖВЧИЛИК Ҳажв, ҳажвий асар ёзиш иши, ижоднинг шундай соҳаси. *[Азиз Абдураззоқ] Фақат шеър ёзиб қолмай, насрий ҳажвчиликда ҳам кучини синамоқда.* «Муштум». *Мен биргина журналист бўлибгина қолмай, бу қозонда [газетачиликда] шоирлик, ҳажвчилик, ҳикоянависликда ҳам пиша бошладим.* С. Абдулла, Менинг дорилфунуним.

ҲАЖИҚИЗ *сўк.* Эркакларча иш тутмайдиган; хотинчалиш; қўрқоқ; номард. *-Мен қиморбозман, бойвачча ҳам қиморбоз. Агар бойвачча «ҳажиқизман» деса, майли, молини олиб кетаверсин, — деди Эминохун.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Мен қатори йигитлар қорга кўкрагини бериб, ўлим билан олишиб юрса-ю, мен иссиқ кўрпани десам, ҳажиқиз бўлар эдим.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҲАЖМ [*а.* حجم — миқдор, ўлчов, шакл] **1** Бирор жисмнинг бўй, эн ва баландлик жиҳатидан катта-кичиклиги; фазода эгаллаб турган ўрни (куб бирлиги билан ўл-

чанади). *Бинонинг ҳажми.* ▬ *Агар ҳажмини каттароқ қилсам, иморатга керакли ҳамма бўёқ ва сирларнинг харажатини кўтаради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Фазонинг геометрик жисм эгаллаб турган бўлагининг катталиги шу жисмнинг ҳажми деб аталади.* «Геометрия».

2 Бирор идиш ёки бўшлиқнинг қанча нарса сиғдира олиши, ичининг катталик даражаси; ўлчам. *Ёғ банканинг ҳажми. Қудуқнинг ҳажми.* ▬ *Тилнинг кўтарилиши ҳамда лабнинг чўччайиши билан оғиз бўшлиғининг ҳажми ўзгариб, унли товушлар ўзига хос тус олади.* «Ўзбек тили» дарслиги.

3 *кўчма* Умуман, нарсанинг кўп-озлик даражаси, миқдори. *Иш ҳажми. Мақоланинг ҳажми.* ▬ *Текширишда қатнашган кишилар ғўза тупларининг сони, шохларининг миқдори, ҳосилнинг ҳажмини аниқлаб.. чиқдилар.* И. Раҳим, Ихлос. *Биз, қиссамизнинг ҳажми сиғдирмаганликдан, унинг шаҳардаги софдил ҳаётига батафсил тўхтай олмаймиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲАЖМАН [*а.* حجماً — ҳажм жиҳатидан, ҳажмга кўра] Ҳажм жиҳатидан, катта-кичиклик ёки кўп-озлик нуқтаи назаридан. *Ҳажман кичик жисм. Иш ҳажман кўп бўлса ҳам, анча енгил эди.* ▬ *Кам куйдириладиган гипсли боғловчи моддалардан фарқли ўлароқ, ангидрид цементи қотиш вақтида ҳажман кенгаймайди.* «Фан ва турмуш».

ҲАЖМИЙ [*а.* حجمى — ҳажмга оид, ҳажман] Ҳажмга боғлиқ бўлган, ҳажмдан келиб чиқадиган. *Ҳажмий анализ.* ▬ *Ҳажмий оғирлик бир куб жисмнинг килограммлар ҳисобидаги оғирлигидир.* «Физика».

ҲАЖМЛИ Ҳажмга эга. *Катта ҳажмли бак. Кичик ҳажмли идиш. Юз минг тонна ҳажмли кема.*

ҲАЖР [*а.* هجر — ташлаб кетиш, тарк этиш; айрилиқ, жудолик] Айрилиқ ҳолати; жудолик, ҳижрон. *Ишқ давоси, авом ўйлаганча, васл эмас — ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сўндирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Тун билан йиғлабди булбул Ғунча ҳажри доғида. Кўз ёши шабнам бўлиб Қолмиш унинг япроғида.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ҲАЗ [*а.* حظّ — бахт, омад; мўл-кўлчилик; ҳузур-ҳаловат; кайф-сафо; шодлик; роҳат, лаззат]: **ҳаз этмоқ** *шв.* Роҳатланмоқ, маза қилмоқ. *Қизим, гаширинг [сабзинг] бўлса, палов қила қол, ҳаз этиб бир еяли!* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ғазалнинг тозасидан йўқми? Билсанг, ўқи, ҳаз этайлик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАЗАР [*а.* حذر — эҳтиёткорлик, ҳушёрлик; эҳтиёт бўлиш, сақланиш] Ёқимсиз, ёмон шахс, нарса, хатти-ҳаракат ва ш.к. дан жирканиб, ўзини тийиш; тортиш, сақланиш. *Кундошингнинг кўриниши баёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан. Бундай одамдан, албатта, ҳазар керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қайин отангизга айтдим: ..ҳар ҳолда ёмондан ҳазар лозимдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳазар қилмоқ Жирканиш, ёқтирмаслик, ҳазар билан муносабатда бўлмоқ. *Ҳаромдан ҳазар қилмоқ.* ▬ *Тўғриси ҳам Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар бир қадамингиз одамларга кўриниб турибди. Энди сиздан ҳамма ҳазар қилади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Чунки халқ ёлғондан ҳазар қилади.* Газетадан. *Шаҳзода ундан [бойваччадан] чўчқадан ҳазар қилгандек ҳазар қилади.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАЗАРЛАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **ҳазар қилмоқ** *қ.* **ҳазар.** *..хўроз, ит уриштиратурғон кўча чапанилари, боз-бозликка муккасидан кетган суюғоёқлар ҳам бу ярамас одатлардан ҳазарланиб, аста-секин беза бошладилар.* Газетадан.

ҲАЗИЛ [*а.* هزل — кулги, мазах қилиш, тегишиш, ҳазиллашиш] **1** Қизиқчилик, эрмак учун, ўйнашиб қилинган хатти-ҳаракат ёки айтилган гап; жиддий, чин эмас. *Ҳазилми, чинми? Ҳазилингни қўй! Сен ҳазилни кўтармас экансан. Ҳазил — ҳазилнинг таги зил.* Мақол. *Кўрса — ҳазил, кўрмаса — чин.* Матал. ▬ *Тантибойвачча Гуландомнинг сўзини* [*киноясини*] *ҳазил деб ўйлаган бўлса керак.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ичкарида ҳамон куй янграр, Зойиржоннинг ҳазил гаплари, қувноқ қаҳқаҳа тинмасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Худойберган хўжа ярим ҳазил, ярим чин гапириб, Авазни ўтирганларга таништирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бажарилиши қийин бўлмаган; осон. *Институтда ўқиш ҳазил деб ўйлайсанми? Шунча юкни кўтариш ҳазил эмас.* ▬ *-Профессор бўлишнинг ўзи ҳам ҳазил эмас, — деди Умид Раъно билан Ҳафизага.* Мирмуҳсин,

Умид. *Уч-тўрт ой ичида участка қуриб олиш ҳазил иш эмас.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Ҳазил қилмоқ Ҳазил тарзидаги гап-сўз айтмоқ, хатти-ҳаракат қилмоқ. *Эргаш болаларнинг бирининг елкасига уриб, бирининг бурнини чимчилаб, яна бирига.. бор, бурнингни ювиб ке, кирдан қорайиб кетибди, — деб ҳазил қилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Нима бўлди жувонга? Эртадан кечгача кундошлари билан ўйнашади.. ҳазил қилади, қитиқлайди..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҲАЗИЛАКАМ *с.т.* **1** Ҳазил йўли билан қилинган, ножиддий. *Раҳматли Уста Мўминга кечалари жангнома ўқитиб эшитганларимиз эсингиздами? Ўша ҳазилакам урушлар тўғрисида лоф-қоф урилиб ёзилган жангномаларга шунчалар қизиқар эдик.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Бажарилиши қийин бўлмаган, осон. *Илгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса, энди атрофлича ўйлаганда, ҳазилакам эмаслиги равшанлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эндиги кураш ҳазилакам бўлмайди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Бу образлар устидаги меҳнатларим ҳазилакам бўлмаган..* А. Юсупов, Чинор ва ниҳол.

ҲАЗИЛАКАМИГА Сира қийналмасдан, осонликча. *Бу ишни ҳазилакамига қилиб қўяман.* ▬ *Навқирон йигит эдим. Оғир кетмонларни ҳазилакамига урардим.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ҲАЗИЛВОН *айн.* **ҳазилкаш**. *Табиати шўх, қувноқ, ашулачи, ҳазилвон бу қизнинг юрагида дарди бор эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Поччаев «ҳи-ҳи, ҳи-ҳи»лаб, бўлиб-бўлиб, совуққина кулди. «Ҳазилвон экансиз», деб қўйди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қодиржон студентлик давридаги бу ошнаси билан эски ҳазилвон бўлгани учун, дарров «ҳужумга» ўтди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ҲАЗИЛВОНЛИК *айн.* **ҳазилкашлик**. *Маҳалладаги турли қизиқчиликлар ва ҳазилвонликларда Юсуфжонга тенг келадигани йўқ эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҲАЗИЛКАШ [*а.* + *ф.* هزلکش — ҳазил қилувчи] Ҳазил қилишни яхши кўрадиган, бир-бири билан ҳазиллашадиган; ҳазилвон. *Ҳазилкаш йигит.* ▬ *Жаббор ҳеч ўзгармаган, студентлик кезларида қандай бўлса — ўшандай софдил, ҳазилкаш эди.* О. Ёқубов, Учрашув. *Бири биридан башанг, бири икки́нчисидан дилкаш, ҳазилкаш, тегажак қувноқ одамлар.* И. Раҳим, Тақдир. *Бир куни ҳазилкаш оғайнилари: -Мўйлов, аслида раис бўладиган савлатинг бор-да. Ҳозир ҳам раисдан қаеринг кам, — деб тегишишди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳар кўчада, ҳар муюшда унинг турли табақага мансуб дўстлари.. ҳазилкашлари учрар эди.* Ойбек, Навоий.

ҲАЗИЛКАШЛИК Ҳазилкашга хос гап-сўз, хатти-ҳаракат; ҳазилкаш бўлиш, ҳазил қилиш. *Воси ака кулгисини босолмай, ҳазилкашлик билан деди: -Ўзинг яна битта қиз туғиб бер.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *-Нақ жаннатнинг эшиги олдига бориб қолган эдинг, укам, — деди Қудрат ҳазилкашлик қилиб.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Ҳазилкашликда бошқалардан ўзарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲАЗИЛЛАМОҚ *шв.* Ҳазиллашмоқ. *Болам, сени ҳазиллаб айтади десам, чини билан сенга бир гап бўлган экан.* «Ёдгор».

ҲАЗИЛЛАШМОҚ **1** Ҳазил тарзидаги гап-сўз айтмоқ, бирор иш, хатти-ҳаракат қилмоқ; ҳазил қилмоқ. *Хафа бўлма, аскияни яхши кўради, мен келган вақтларимдаям ҳазиллашавериб, қулоқ-миямни еганди хумпар.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар. *Саодатхон ҳам бу қизни бугунгина кўрганлигини ўйламас, ҳазиллашар, кулар эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Мен билан ҳазиллашсанг майли-ю, бироқ капитан билан ҳазиллаша кўрма.* О. Ёқубов, Излайман.

2 Бирор шахс ёки нарса билан ҳисоблашмаган ҳолда, нописанд, менсимай муносабатда, муомалада бўлмоқ; ўйнашмоқ. *Сиз касалсиз, ахир, тушунинг, гипертония билан ҳазиллашиб бўлмайди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *-Аканг жуда тентак, жуда бўлимсиз йигит, — деди ниҳоят пўнғиллаб бой, — ахир, амалдорларимиз, ҳокимларимиз билан ҳазиллашиб бўладими?!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАЗИЛНАМО [*а.* + *ф.* هزلنما — ҳазил тарзида, ҳазилсимон] *айн.* **ҳазиломуз**. *Унинг одатдан ташқари шод эканини кўриб турган ҳамхоналари ҳазилнамо гап ташлашарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҲАЗИЛОМУЗ [*а.* + *ф.* هزلآمیز — ҳазилга ўхшаш, ҳазиллашиб] Ҳазилга ўхшаш, ҳазил аралаш, ножиддий. *Зиёдахон, зувала узар экан, ҳазиломуз жавоб берди: -Унақа*

одам эмаслигингизни ҳали ўзлари ҳам билмайдилар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАЗИЛСИМОН *кам қўлл. айн.* **ҳазиломуз**. *Ҳазилсимон гап.* ▬ *Тантибойвачча уни ҳазилсимон койиб, кейин Йўлчига сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАЗИН [*а.* حزين – қайғули, ғамгин, мунгли] Ғам-қайғу ифодали; мунгли, эзгин. *Юракни зир титратадиган бу ҳазин қўшиқ тобора авжга чиқиб, султоннинг юрагига ғулув солмоқда эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Хонани ҳазин ёқимли «Чўли ироқ» куйи ўз сеҳрига олди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Зумраднинг ҳазин овози юракни қиймаларди..* С. Зуннунова, Гулхан.

ҲАЗИНИЯТ [*а.* حزينيّت – ҳазинлик, ғамгинлик] *эск. кт.* Ғам-қайғули ҳолат; ҳазинлик, мунг. *Юлдуз йўқ, чироқ йўқ, фақат қандайдир, киши кўнглини таталовчи ҳазиният кезади.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲАЗИНЛИК Ҳазин ҳолат, ҳазин ифода. *Унинг овозида аллақандай ички изтироб, ҳазинлик бор эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Негадир қайта-қайта Даврон ака эсимга тушиб, дилимни қандайдир ҳазинлик чулғаб олади.* О. Ёқубов, Излайман.

ҲАЗИР [*а.* حذير – эҳтиёткор; ҳушёр; эҳтиёткорлик билан иш тутадиган]: **ҳазир бўлмоқ** *с.т.* Эҳтиёт бўлмоқ, ўзини сақламоқ. *Иннайкейин, ҳазир бўлинглар: қақир ерларга жон кирганда, тағин Тешабой илиб кетмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Баҳор ойлари тут пишганда, мен устига чиқиб қоқардим. Пастда бўлса: -Ҳой, болам, ҳазир бўл! Кўзингга қара! – дейишиб, ойим билан дадам чодир тутиб туришарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ҲАЗМ [*а.* هضم – ўзлаштириш, сингдириш (овқатни, дарсни); овқатнинг сингиши] **1** Таомнинг ошқозонда сингиши, организмда ўзлаштирилиши. *Ҳазм бўлмайдиган овқат.* ▬ *Ёз кунлари тагидан ранг-баранг майда тошлар кўриниб турган сойдан бир ҳовуч сув олиб ичсангиз, танангиз яйраб, еган овқатингиз ҳазм бўлиб кетади.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 *кўчма* Таъби кўтариш имконияти, қобилияти. *Биз ўзимизни ичкарига олгач, дарвозабон ўзининг ҳазми кўтарган қадар бизга дўнғиллайди-да, дарвозани берклаш ҳаракатига тушади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳазм қилмоқ 1) сингдирмоқ (таом ҳақида). *Мен кечки овқатни сизлардан сал барвақтроқ қиламан, негаки кексароқман, бўлмаса – ҳазм қилолмайман.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Шу меъдангиз бўлса, тошни ҳам ҳазм қилиб юборсангиз кераг-ов.* Ҳ. Шайхов, Характеристика; 2) *кўчма* бирор кўнгилсиз ҳодиса ёки муомалага бардош бермоқ, чидамоқ. *Фармонов болаларнинг ишидан мамнун бўлса ҳам, муомалаларини ҳазм қилолмасди.* А. Мухтор, Чинор; 3) *кўчма* мияга сингдириб олмоқ; уқмоқ, ўзлаштирмоқ. *Дарсни ҳазм қилмоқ.* ▬ [*Султонмурод*] *Ҳужрага қамалиб, кеча-кундуз китоб мутолаа қилади. Ўнлаб китобни ҳазм қилгандан сўнг, яна ўз ишқининг аламли, туганмас достонига берилади.* Ойбек, Навоий; 4) моҳиятига тушунмоқ, англаб етмоқ. [*Мирҳосил*] *Кейинги вақтларда халқ ҳаётида юз берган ўзгаришларни ҳазм қила олмай: «Мен ўзгардимми, ёки замон ўзгардими?» деб юрибди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан; 5) *кўчма* ўзиники қилиб, ўмариб кетмоқ, ўзлаштириб юбормоқ. *Халилов «9021 килограмм маккажўхори олинди», деб қалбаки акт тузади, бунинг эвазига 1804 сўмни ҳазм қилади.* Газетадан.

Ҳазми таом Овқатни ҳазм қилиш учун ёрдам берадиган нарса. *Баъзи одамлар ичкилик иштаҳани очади, ҳазми таом.. фойдаси зўр, дейдирлар.* «Муштум».

ҲАЗМЛАМОҚ *кам қўлл.* Ҳазм қилмоқ (*қ.* **ҳазм**). *Ялпиз.. ошқозонни мустаҳкамлайди.. таом ҳазмлашни яхшилайди..* К. Маҳмудов, Кўкда гап кўп.

ҲАЗМЛИ Тез, осон ҳазм бўладиган. *Ҳазмли таом.* ▬ *Агар унга [хўроз шўрвага] зира, оқ пиёздан солиб юборилса, яна ҳам хушхўр ва енгил ҳазмли бўлади.* «Муштум».

ҲАЗОР [*ф.* هزار – минг] *эск. кт.* Минг (одатда ўзбек тилида саноқ сон маъносида эмас, балки сон-саноқсиз, жуда кўп, ғоят, бениҳоят, чексиз каби маъноларни ифодалаш учун қўлланади). *Ўз сўзли ўзбекнинг кўклам ваъдаси – Минг карра минг тонна, ҳазор бор ҳазор.* Ғ. Ғулом.

ҲАЗОР-БАҲАЗОР [*ф.* هزاربهزار – минг-минглаб] Минг-минг, мингларча; жуда ҳам, беҳад кўп. [*Имом домла*:] *Бажонудил ўқир эдик, ҳазор-баҳазор афсуски, ойнак ҳужрада қолибдур.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАЗОРОН [*ф.* هزاران — минглар, кўп минг] *эск. кт.* Минглар, минг-минг, беҳисоб. *Нечук худо ярлақади, тақсирлар? Ғариб хонамизни муборак қадамларингиз билан мунаввар этганларингиз учун ҳазорон раҳмат*! А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАЗРАТ [*а.* حضرت — жаноб, ҳурматли] **1** *дин.* Оллоҳ, пайғамбар каби муқаддас зотларни, шунингдек, дин арбобларини улуғлаш учун уларнинг исми олдидан қўлланади; кимсанинг мартаба, вазифасини билдирувчи сўз билан ёки ўзи алоҳида ҳам қўлланади, мас., *Ҳазрати Одам.* ▬ *Ҳазрат Алининг дулдулини ҳеч бир от қувиб етган эмас — китобларда шундай ёзилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Зеҳни ўткир, тили бурро Ҳафиза болам анча қийналди. Исириқ солиб, ҳазрат Баҳоваддинга ўн битта кулча атаб қўй, болам, — деди кампир.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳазрати эшоннинг хизматларига бел боғлаб, шу ерларда муридларга бош бўлиб, буғдой эктирди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Муборак бўлсин, улуғ ҳазратим! Садриддин аълам жилмайди.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Подшоҳ, хон, бек каби олий даражали мансабдорларни улуғлаш учун «жаноб олийлари» маъносида ишлатилади. *Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари. Бек ҳазратлари. Подшоҳ ҳазратлари.* ▬ *Қамчиси кўкда товланиб, ханжари заҳар сочган хон ҳазратнинг буйруғига ким қарши бора олсин*? А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *-Амир ҳазратлари саломатмилар? — ташвишланиб сўради бой.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Илм-фан, санъатда шуҳрат қозонган буюк кишиларни улуғлаш учун ва умуман ҳурматни ифодалаш учун тахаллус ёки номларга қўшиб ишлатилади. *Навоий ҳазратлари. Ҳазрати Жомий.* ▬ *Меъмор ҳазратларининг ҳовлилари шу эди-а?* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳазрат мударрис хайрлашган жойида яна тўхтаб, томоқ қириб олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАЙ *унд.с.* **1** Кимсанинг диққатини ўзига жалб этиш, чақиришни билдиради; эй. *Ҳай, эшик тақиллаяпти, қара. Ҳай бола, қаёққа кетяпсан?* ▬ *Мулла Норқўзи дарғазаб бўлиб, ўрнидан турди ва эшик олдига бориб, бор товуши билан бақирди: -Ҳай хотин, дейман, қандоқ беҳаёсан!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 Эътиборни тортиш, огоҳлантиришни билдиради; эй. *Ҳай, бу гапни унга айта кўрма. Ҳай, электр симига тегиб кетма.* ▬ *У, уйнинг зинасига энди қадам қўйганда, похол ғарами остидан чиққан бир кампир: -Ҳай, болам, немис бор! — деб қичқирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Бўлган ёки ўтган ишдан розиликни, эътирозсизликни ёки унга эътибор бермасликни, «шундай бўлса бўлибди» маъносини билдиради. *Ҳай, ўтган ишга салавот. Ҳай, бўлар иш бўлди, энди бу томонига эҳтиёт бўл.* ▬ *Ҳай, майли, ишқилиб сени топарман.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қалъага сиғмай, бу ерга келибсан, ҳай, мен рози.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Шайтонга ҳай бермоқ *қ.* **шайтон** II.

ҲАЙБАРАКАЛЛА [< ҳай + баракалла] Асоссиз, ўринсиз, қуруқ мақтов; шундай мақтов билан руҳлантириш, қизиқтириш. *Атрофингиздаги тўрт-беш лаганбардорнинг ҳайбаракалласига учиб, ўзингизни йўқотиб қўйдингиз.* С. Маҳкамов, Шогирд. *Бу даврда илгариги ҳайбаракалла билан иш битмайди.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИ Асоссиз, ўринсиз, қуруқ мақтовлар айтувчи, шу тарзда қўллаб-қувватловчи шахс. *Мен сизга айтсам, ука, ўзимиз ҳам анча ҳайбаракаллачи бўлиб қолибмиз.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳошим уни* [*Ғуломни*] *ўз ҳайбаракаллачилари сафига ҳеч тортолмади. Ғулом ака бошқача тоифа одам экан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛИК Ҳайбаракаллачига хос иш тутиш, амалий ишдан кўра қуруқ мақтов, қўллаб-қувватлашга берилиш. *Қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари ҳайбаракаллачиликдан амалий ишга ўтишлари керак.* Газетадан. *Тошматовнинг баъзи хатти-ҳаракати, ҳайбаракаллачилиги нима мақсадга қаратилганлиги устида жиддийроқ ўйлашга мажбур қилиб қўйди мени..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ҲАЙБАТ [*а.* هيبت — қўрқув, ваҳима, даҳшат; қадр-қиммат; ҳурмат, эътибор, обрў, нуфуз] **1** Улуғвор кўриниш; важоҳат, салобат. *Баъзида тоғлар ҳайбати, денгизлар тўлқинига қараб, бу мўъжиза олдида беихтиёр ичимиздан хўрсиниқ келади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. [*Очил бува*] *Чинортоғ этагида ҳайбат билан қорайиб турган чинорга узоқдан тикилиб, тонг оттирди.* А. Мух-

тор, Чинор. *Мозористон ҳайбати, мозористон сукунати уни ғамгин ўйлар гирдобига ботиради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Ваҳимали ҳис-туйғу, шундай ҳис-туйғу уйғотувчи нарса, ҳолат; ваҳм. *Аҳмадбек минди тарлоннинг белига, Ҳайбат билан қаради соғу сўлига.* «Ойсулув». *Аждарҳо домига Шакар кетади, Аждарҳо ҳайбати шундай бўлади.* «Ширин билан Шакар».

Ҳайбат қилмоқ *шв.* Ваҳм солмоқ. *Эркак таҳдидли товуш билан аёлга ҳайбат қиларди: -Мен сенга айтаяпман, овозингни чиқара кўрма, секин олдимга туш.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. *Йўлбарс каби жойдан турсанг қўзғалиб, Ҳар тарафга ҳайбат қилсанг на бўлди?* «Нурали».

ҲАЙБАТЛИ 1 Улуғвор кўринишли, салобатли, баҳайбат. *Ҳайбатли баланд тоғлар ой ёғдусини ҳам ютиб юборгудек қорайиб, ваҳм соларди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Яссавий мақбарасини Темир Кўрагон бино қилдирган, кўп ҳайбатли, муҳташам мақбара.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ичкарида тасаввурига сиғмайдиган ҳайбатли нарса пойлаб тургандай бўларди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

2 *кўчма* Ваҳимали, даҳшатли. *Жанг бўлади кўп ҳайбатли, Ёв ғаламис, қув, шиддатли.* М. Шайхзода, Тошкентнома. *Фронтнинг унча ҳам катта бўлмаган бир участкасига тўпланган мингларча замбарак гумбурлашидан ҳайбатли бир гувуллаш ҳосил бўлдики..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҲАЙВОН [*а.* حيوان – тирик нарса, ҳар бир тирик жон] **1** *зоол.* Ҳаракат қилиш ва сезиш қобилиятига эга бўлган ҳар бир тирик мавжудот; жонивор. *Умуртқали ҳайвон. Сутэмизувчи ҳайвонлар. Судралувчи ҳайвонлар. Ваҳший ҳайвонлар. Уй ҳайвонлари.*

2 Инсондан бошқа ҳар қандай жонивор. *Ўргатилган ҳайвонлар. Ҳайвонот боғида ҳайвонларнинг турлари ҳам, сони ҳам кўп.* ▬ *Олимовнинг ҳикояси болаларнинг зеҳнида шундай таассурот қолдирди: иссиқ билан совуқ, қор билан ёмғир, сув билан ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонлар – буларнинг ҳаммаси табиатдаги қазиш, ўйиш, емириш кучлари ҳисобланар экан..* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Иш ҳайвони Миниш, юк ташиш, ер ҳайдаш учун фойдаланиладиган тўрт оёқли жонивор; от-улов. *Қулоқларнинг от-уловлари, иш ҳайвонлари бугун-эрта колхоз ҳисобига ўтиши керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Одати, қилиғи, хатти-ҳаракати ва ш.к. жиҳатдан ҳайвонга ўхшашликни, ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Одамнинг ҳайвони киши ҳақидан қўрқмайди, киши молига кўз олайтиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Шунча йилдан буён мен унинг бунақа қилиқлари борлигини билмас эканман. Ҳайвоннинг ўзгинаси экан-ку!* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Вой ҳайвонлар-ей! Тфу! – деди-ю, шартта бурилиб чиқиб кетди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Илгари «оз-моз» ичиб, сўнг бўлди ҳайвон оқибат.* Ҳ. Нурий.

Оби ҳайвон Ўликни тирилтирадиган сув, тириклик суви (эртакларда). **Ҳайвони нотиқ** *эск.* Инсон, одам.

ҲАЙВОНЗОТ [ҳайвон + зот] Ҳайвон боласи, ҳайвон насли, ҳайвон. *Жабр қилди ҳайвонзотнинг жонига, Қирқ бир қамчи урди отнинг сонига.* «Рустамхон». *Ёдгор бу чинорнинг остига борди, ҳар тарафга қаради: на одамзод ё бир ваҳший ҳайвонзот – ҳеч нарса кўрмади.* «Ёдгор».

ҲАЙВОНИЙ [*а.* حيوانى – ҳайвонларга, махлуқотга оид] Ҳайвонларга хос; шаҳвоний. *Чиндан ҳам бу жасурона исён хотин-қизлар томонидан Худоёрнинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилиш эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кейин маймун ҳайвоний ғазаб ичида атрофга аланглаётиб, деразадан эгасининг даҳшат босган чеҳрасига кўзи тушиб қолди.* «Фан ва турмуш».

ҲАЙВОНЛАШМОҚ Инсоний фазилатларни йўқотмоқ, ваҳшийлашмоқ. *Муродхўжа домла: -Қишлоқ халқи ҳайвонлашиб кетаётир, кўргани тоқатим йўқ, – деб юрган одам.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАЙВОНЛИК Ҳайвонга хос одат, қилиқ, хатти-ҳаракат. *Бари бир ҳайвон ҳайвонлигини қилди, яъни маъради.* «Гулдаста».

ҲАЙВОНОТ [*а.* حيوانات – «ҳайвон» с. кўпл.] Тирик мавжудотлар, ҳайвонлар олами; ҳайвонлар. *Поччам билан аммам бу гул, бу ҳайвонотларнинг ҳар биттасини нури дийдаларидай парвариш қиладилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Университетнинг учинчи курсида ўқир, мақсади ҳайвонот дунёсини ўрганиш, шу соҳада илмий иш олиб бориш экан.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ҳайвонот мойларидан тайёрланган ёғ маҳсулотлари ҳам яхши доғлашни талаб қилади.* Газетадан.

ҲАЙДАЛМА: ҳайдалма қатлам *қ.х.* Экин майдонининг ҳайдаб юмшатиладиган устки қатлами. *Чуқур ковлашда, ҳайдалма қатламдан чиққан ва озиқ моддаларга бой бўлган тупроқ чуқурларнинг бир томонига.. ташланади.* Р. Мусамуҳамедов, Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим.

ҲАЙДАМОҚ 1 Бирор томонга қараб юришга қистамоқ; боришга мажбур қилмоқ; йўлламоқ. *Ўн бир кишини банди қилиб, қўлларини чилвир билан боғлатди-да, олдига солиб ҳайдаб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Йигитали подани ўтган ҳафта ўтлаган ерига — сой бўйига ҳайдади.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Узоқда чироқ милтиллаб кўринди.. Отни тўғри ўша томонга ҳайдади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 *кўчма* Бирор томонга юритмоқ, йўналтирмоқ, йўналишини бурмоқ (жонсиз нарсалар ҳақида). *Кўтармалик билан ишинг бўлмасин! Сувни Сойариққа ҳайдаб, Оқсоқолнинг қулоғидан хабар ол.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Катталар хўп деса, тоғни тешиб, Тожиксойни ҳайдаб келамиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Мавжуд жойидан, маълум макондан кетказмоқ, кетишга мажбур қилмоқ. *Ўша, Муқаддам ҳайдаб юборганидан бери бу уйга қадам босишга ҳақи йўқлигини биларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йўқ.. қайси диёнатли ота.. қўй оғзидан чўп олмаган ўғлини «оқ» қилиб, даргоҳидан ҳайдар экан?!* К. Яшин, Ҳамза. *Ўртоқлари олдида ялиниб борган экан, ҳайдашибди-ку..* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

4 *кўчма* Йўқ қилмоқ; кетказмоқ. *Дилингиздаги васвасаларни ҳайданг.* К. Яшин, Ҳамза. *Экинзорларда бўладиган тонгги бир тароват.. муздек шабада.. — барчаси Авазнинг кўнглидан мужмағил, оғир туш асоратини ҳайдагандек бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Кек сақламас, дилхиралигини ҳайдаб, ўзини идора эта олар эди.* С. Сиёев, Аваз.

5 Иш, мансаб ва ш.к. дан четлатмоқ, маҳрум қилмоқ; қувмоқ, кетказмоқ. *..ўшаларнинг ёрдами билан қамалмай қолибдилар-у, фақат ишдан ҳайдалибдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Николай тахтдан ҳайдалиб, инқилоб бўлган кун олти яшар гўдак эканман.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Билса, институтдан ҳайдайди.* «Гулдаста».

6 Транспорт воситасини миниб, юргизиб, бошқариб бормоқ. *Отам арава ҳайдар эди. Акам машина ҳайдайди.* ▬ *У дўконларга газлама ташиди, извош ҳайдади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бирон кор-ҳол бўлмасин, деб моторга ўт бериб, жадал ҳайдаб кетди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

7 Ерни махсус асбоб (плуг, омоч, сўқа каби) тиши билан тилиб, ёриб, ўйиб юмшатмоқ. *Ерни трактор билан ҳайдамоқ. Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда.* Мақол. ▬ *Тушдан кейин уйга келиб, буғдой ўраман.. арпадан бўшаган ерни ҳайдаб, мола босаман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

8 *ким.* Иситиш ёки қайнатиш йўли билан таркибий қисмларга ажратмоқ; шу йўл билан бирор нарса ажратиб олмоқ. *Спирт ҳайдамоқ.*

ҲАЙДАР [*а.* حيدر — шер; Ҳазрат Алининг сифатларидан бири] **1** Икки чаккадан қўйилган кокил. *Боққа кирсам, тонг шамоли Ҳайдаримни ёзади. Уйга кирсам, ғариб онам Юрагимни эзади.* «Қўшиқлар».

2 *айн.* **ҳайдар кокил**. *Орқам тўла ҳайдарим, Ҳар жойда харидорим.* «Оқ олма, қизил олма».

Ҳайдар кокил Умуман, чиройли қилиб ўрилган соч, кокиллар. *Ҳайдар кокилинг узун, Ювиб тарагин, ёрим.* «Қўшиқлар». *Қирқта ҳайдар кокилим, Райҳон қўшиб тарайман.* «Қўшиқлар».

3 Ҳайдар (эркаклар исми).

ҲАЙДАРКОКИЛ Ўрдакларнинг бир тури (бошида қора патдан иборат кокили бўлади).

ҲАЙДОВЧИ 1 Ҳайдамоқ фл. сфдш. *Автомашина ҳайдовчи. Ер ҳайдовчи. Извош ҳайдовчи. Пода ҳайдовчи.* ▬ *Нафсиламбирда, бизга ўхшаш отбоқарга, ер ҳайдовчига қийин, жуда қийин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ш.к. ларни бошқарувчи киши. *Пиёда, худди транспорт ҳайдовчиси каби, йўл ҳаракатининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади.* Газетадан. *Ҳайдовчи ҳам ўз шаънига айтилаётган мақтов ва тилакларни эшитгандек.. тағин шитоб билан тормоз босади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 «Бешкўтарар» ўйинида рақиб томонига жўнатилган жуфт қарталарнинг устига қўшиб бериладиган яна битта қарта. *Икки ўн-*

лик ва икки саккизликка бир еттиликни ҳайдовчи қилмоқ.

ҲАЙДОВЧИЛИК Ҳайдовчи касби, иши. *Унинг [шофёрнинг] ҳайдовчиликни улуғлаётганига йигирма йилдан ошди.* Газетадан.

ҲАЙЁ-ҲАЙ: **ҳайё-ҳай деб** (*ёки* **дея**) Йўлга, сафарга астойдил жазм қилиб, зўр қатъият билан. *Мамаюсуф Кўкқашқани чоқ қилиб.. Гулнозни мингаштириб, дарвозадан ҳайё-ҳай дея, чиқди-да кетди.* Т. Сулаймон, Интизор.

ҲАЙЁ-ҲУ: **ҳайё-ҳу деб** (*ёки* **дея**) *айн.* **ҳайё-ҳай деб** (*ёки* **дея**) *қ.* **ҳайё-ҳай**. *Этак турмушлаб, ёнбошимга бир муштлаб, ҳайё-ҳу деб, шаҳардан ташқарига қараб йўлга равона бўлдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲАЙЁ-ҲУЙТ *унд. с.* Ғалла экинларини қушлардан қўриқлашда ишлатилади. *Чумчуқ, чумчуқ, шўр чумчуқ, Ҳайё-ҳуйт! Ҳайё-ҳуйт!* Э. Шукур, Ҳамал айвони.

ҲАЙЗ [*а.* حيض — менструация, ой кўриш] Балоғат ёшидаги қизларда ва бола туғиш ёшидаги аёлларда ҳар 21-30 (кўпинча 28) кунда содир бўладиган биологик жараён; ой кўриш.

ҲАЙИНЧАК *шв.* Учиб ўйнаш учун баланд ёғочга, кўпинча дарахт шохига осиб, учлари қўшиб боғланган узун арқон ёки арғамчи; арғимчоқ. *Ҳасан овчининг қўшнисиникида қизлар ҳайинчак учишмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Узун-узун арғамчи Ҳайинчакка, ёр-ёр.* «Қўшиқлар».

ҲАЙИНЧАЛАК *айн.* **ҳайинчак**.

ҲАЙИТ [*а.* عيد — байрам, тантана] **1** *дин.* Йилда икки марта: рамазон тамом бўлгач уч кун ва қурбон ойида уч кун бўлиб ўтадиган диний байрам. *Тўй тегишлиники, ҳайит барчаники.* Мақол. ■ *Илгари ҳайит кунлари Кўмирсаройда қўғирчоқбозлик, «чодирхаёл» бўлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳайитдаги.. маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари — арафа куни ош улашиш, янги кийим кийиш, ҳайитлик бериш, сайл қилиш, яқин одамларини кўриш ва ҳоказо ҳам қўшилиб кетган.* «ЎзМЭ».

Катта ҳайит *ёки* **қурбон ҳайити** Ҳижрий зулҳижжа ойи, яъни қурбон ойининг ўнинчи куни бўладиган диний байрам. *Катта ҳайит бўлса — ўтган, кичигига ҳали анча бор.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қурбон ҳайити арафасида қишлоқи мурид Тиллабой яна бир қўй келтириб ташлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Кичик ҳайит** *ёки* **рўза ҳайити** Ҳижрий рамазон ойи тугаши билан эртасига, яъни шаввол ойининг биринчи куни бўладиган диний байрам. *Бунинг устига кичик ҳайитнинг баҳор фаслига тўғри келгани нур устига аъло нур бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *этн.* Вафотига йил тўлмаган кишини ҳайит кунлари йўқлаб аза тутиш, эслаш маросими; маърака. *Онасининг ҳайити яқинлашган кунлар эди. Ҳадемай акасининг ҳайити ҳам келади.*

3 *кўчма* Бирор муваффақият, ғалаба муносабати билан бўладиган умумий шодлик, байрам. *Пахта планимиз бажарилган куни сизу бизга ҳайит-да!* ■ *-Эчкига жон қайғуси, қассобга мой қайғуси. Мен нима ғамда-ю, сизга ҳайит экан-да? — деди Акмал Қудратга.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

4 Ҳайит (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҲАЙИТЛАМОҚ *с.т.* Ҳайит байрамини нишонламоқ, ҳайит кунлари сайр қилмоқ. *Ярашсин деб, қора холлар қўйилган, Кўчаларда ҳайитлаган ким бўлди?* «Равшан».

ҲАЙИТЛАШМОҚ Ҳайитламоқ фл. бирг. н. *Ёз пайти поччамнинг ўртоқлари қовун сайилга чақирган. Бир тарафдан ҳайитлашиб ҳам келаман-ку, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲАЙИТЛИК Кимсага ҳайит муносабати билан қилинадиган совға (пул, кийим-кечак ва ш.к.) *Шодлик қўшиғи босди саодат кўчасини, Гўдаклар жаранглатар ҳайитлик тангасини.* Ғ. Ғулом. *Улуғ ҳайитдаги ҳайитликка олдирган мўғул эгарча билан ғалати қилиб тойчамни эгарладим.* А. Қодирий, Улоқда. *Низомжон, аясидан ҳайитлик олган боладек диканглаб, кунни кеч қилди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кейин расталарни айланиб, уйга ҳайитлик олдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАЙИТ-МАЪРАКА *айн.* **ҳайит 2**. *-Мунча тез? Ойимнинг ҳайит-маъракаси ўтмасдан-а! — Ҳакимбойвачча қўлини силкиди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАЙИТЧИЛИК Бирор нарсанинг сабаби ҳайит билан боғлиқ эканини билдиради. *..сира овора бўлманг, уйда иш кўп. Ўзингиз биласиз, ҳайитчилик, келди-кетди дегандек..* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАЙИҚИШМОҚ Ҳайиқмоқ фл. бирг. н. *Болалар отасидан ҳайиқишади.* ■ *Унинг ян-*

ги усул мактабига дастлаб болалар жуда кам келди. Тўғрироғи, ота-оналари «қандай бўлар экан?» деб болаларини беришга ҳайиқишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАЙИҚМОҚ **1** Бирор иш-ҳаракат қилишга чўчимоқ; қўрқмоқ, ботина олмаслик. *Қобил Комиловичнинг юраги орзиқди. Миясида туғилган турли фикрларга чуқурроқ маъно беришдан ҳайиқди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ҳамма жойда оқни – оқ, қорани – қора, деб айтишдан ҳеч ҳайиқмаслик керак.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Довдирроқмикан? Ундай деса, фан номзоди, унча-мунча олимлар қўл уришга ҳайиқадиган муаммолар устида ишлаётган экан.* С. Нуров, Нарвон.

2 Бирор хатти-ҳаракат, муомала ва ш.к. да кимдандир, нимадандир чўчимоқ, у билан ҳисоблашмоқ. *Дадасидан бир оз ҳайиқади.* С. Зуннунова, Янги директор. *..бу ҳақиқатгўй йигитнинг теварак-атрофдаги қишлоқ ва овулларда обрўйи катта экан, ундан кўплар ҳайиқар экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Пошша хола.. охир-оқибатда ўз обрўйига путур етиб қолишидан ҳайиқарди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *У хонаси келганда ҳеч кимни аямасди. Ундан раис ҳам ҳайиқарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҲАЙКАЛ [*а.* هيكل – жуда улкан, катта; ибодатхона, улкан бино] **1** Киши ёки ҳайвон гавдасининг гипс, тош, металл, ёғоч ва ш.к. қаттиқ материаллардан йўниб, ўйиб ясалган тасвири. *Навоий ҳайкали.* ▬ *Чиройли гиламлар, турли ҳайкаллар, жилдли креслолар.. билан безатилган кабинетдан сира-сира айрилгилари йўқдай.* «Муштум».

2 Бирор шахс ёки воқеа хотирасини абадийлаштириш учун ясалган архитектура ва ҳайкалтарошлик иншооти; ёдгорлик. *Уруш қурбонларига ўрнатилган ҳайкал.* ▬ *Ўзбек халқи ўзининг биринчи ва тўнғич президенти Йўлдош ака Охунбобоевга ҳайкал ўрнатиш маросимини ўтказмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Балки ерга ризқ-рўз уруғини қадаган биринчи деҳқон шарафига рамзий ҳайкал қўйишлар.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 *кўчма* Умуман, шахс хотирасини абадийлаштириш учун хизмат қиладиган нарса. *Ҳ. Олимжон барҳаёт вақтида ҳам ўзи учун ҳайкал ярата олди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 *фольк.* Аёллар бўйинга осиб, кўкракка ташлаб оладиган, олтин ёки кумушдан ишланган безак буюми (зебигардоннинг қадимги тури). *Ойимлар ўтирар ҳайкалин осиб, Мушку анбар ҳиди ҳар ённи босиб.* «Равшан». *У* [*Зулфизар*] *тилла ҳайкалларини осиб.. оёғининг учи билан босиб, кўрганнинг дилини кесиб, боққа равона бўлди.* «Зулфизар билан Авазхон».

ҲАЙКАЛАК: **нафси ҳайкалак отмоқ** *шв. айн.* **нафси ҳакалак отмоқ**. *қ.* **ҳакалак**. *Шундан кейин нафси баттар ҳайкалак отиб, қўл остидаги ишчиларнинг маошига ҳам арра сола бошлади.* «Муштум».

ҲАЙКАЛЛАШМОҚ *фольк.* Бир-бирининг қўлидан, белидан ушлаб ёки бўйнига қўл солишиб юрмоқ, тизилмоқ. *Қараса, кўп қизлар, анча сарвинозлар, беадад канизлар ҳайкаллашиб.. тўп-тўп бўлиб.. юрибди.* «Равшан».

ҲАЙКАЛТАРОШ [*а.* + *ф.* هيكلتراش – ҳайкал йўнувчи, ясовчи] Тош, бронза, ёғоч, гипс ва ш.к. лардан йўниш, ўйиш, қуйиш йўли билан ҳайкал ясовчи санъаткор уста. *Тош шу қадар силлиқки, гўё ҳайкалтарош хўп ҳафсала билан йўнган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кўргазма залининг экспозицияларида кекса ҳайкалтарошнинг асарларини кўриш мумкин.* Газетадан.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК Ҳайкалтарош касби, иши. *Маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган бу кўргазмада ҳайкалтарошлик санъатининг турли жанрларидаги асарлар намойиш қилинмоқда.* Газетадан.

ҲАЙКАЛЧИ *с.т.* Ҳайкалтарош.

ҲАЙРАТ [*а.* حيرت – ҳайронлик, тонг қолиш; довдираб, гангиб қолиш] Кучли даражадаги таажжуб, ҳайронлик. *Устанинг санъатидан ҳайратда бўлган одамлар битта танбурдан ҳам шунчалик овоз.. чиқишига тасанно айтишарди.* Мирмуҳсин, Созанда. *Нақшларга тикилиб қарайман бир-бир, Фикримда ҳаяжон, ҳайрат, тасанно.* Ҳ. Расул, Бахт нашидаси. *Ҳаётнинг энг оддий жисмларидан то энг мураккаб мавжудотларигача – ҳаммаси унга ҳайрат бағишларди.* Газетадан.

Ҳайрат бармоғини тишламоқ Ниҳоят даражада ҳайрон бўлмоқ; ҳайратда қолмоқ. *Хон олдига у ҳамиша оқ йўрғасини миниб борарди. Бу отни кўрганлар ҳайрат бармо-*

ғини тишлаб қолар ва ичида «баайни дулдул», деб қўярди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲАЙРАТАНГИЗ [*а. + ф.* حیرت‌انگیز – ҳайрат қўзғовчи, ҳайрат ифодали] *кам қўлл. айн.* **ҳайратомуз**. *У гулнинг нозиккина бармоқлар билан тўсилаётганини кўриб, қизчага ҳайратангиз қаради.* Н. Қиличев, Ёронгул.

ҲАЙРАТБАХШ [*а. + ф.* حیرت‌بخش – ҳайрат бағишловчи, ҳайрон қолдирувчи] *кам қўлл. айн.* **ҳайратомуз 1**. *Ҳайратбахш бир ғайрат билан ишламоқ.* ▬ *Ўрмонсиз диёрнинг ўғиллари учун сон-саноқсиз дарахтлар манзараси, айниқса, мароқли, гўзал, ҳайратбахш туйилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲАЙРАТЛАНМОҚ Кучли даражада ҳайрон бўлмоқ, ҳайратга тушмоқ. *Қиз оҳиста қўлини бўшатди ва қоронғи кечада келган меҳмонга ҳайратланиб қараб қўйди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Йўлчининг сўзларига ҳайратланиб, чол ёқасини ушлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАЙРАТЛИ Ҳайрат, таажжуб ифодали. *Раис сергакланиб, менга ҳайратли кўз ташлади.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ҲАЙРАТОМУЗ [*а. + ф.* حیرت‌آمیز – ҳайрат ифодали, ҳайрон қилувчи] **1** Кишини ҳайратга соладиган, ҳайрон қолдирадиган, таажжублантирадиган. *Навкарларнинг ҳайратомуз ҳозиржавоблигига Қурбон қойил қолди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Бола хотирасининг ҳайратомуз ўсаётгани катта-кичикни тонг қолдира бошлади.* Газетадан. *Уста Ширинларнинг меъморчилик санъати ўз гўзаллиги билан ҳайратомуздир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ҳайрат ифодали, ҳайратли ҳолда. -*Кўп шаҳарларни билар экансиз, – деди Меъмор ҳайратомуз..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Вали табиат қўли билан ясалган ҳайкалга ҳайратомуз тикилди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ҲАЙРОН [*а.* حیران – тонг қолган, маҳлиё; гангиб, довдираб қолган] Моҳият-сабабига тушунмай, англаб етмай қизиқсинган, ажабланган ҳолатли; шундай ҳолатда. *Шундай тўполончи боланинг бирданига ювош бўлиб қолганини кўриб, синфдошлари ҳайрон эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳаким ака ҳайрон бўлиб, кўзларини пирпиратди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Бирор нарса ҳақида аниқ тўхтам, хулосага келолмаган, гаранг ҳолатли. *Отабек гарангсиб қолган.. бу олийжаноб гўзалга нима дейишини билмас, қаердан сўз бошлашга ҳайрон эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўзини қаёнга уришни, жигаридай азиз бўлиб қолган оққўнгил, тўпори йигитни қайдан ахтаришни билмай ҳайрон эди.* С. Сиёев, Аваз.

Ҳайрон бўлмоқ 1) таажжубланмоқ, ҳайратланмоқ. *Ҳамма ҳайрон бўлиб, бир-бирига қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) нима қиларини билмай, ўйланиб қолмоқ, эсанкирамоқ. *Абдурасул ёрдамга кимни чақиришни билмай, ҳайрон бўлиб турганда, бозор йўлидан бир отлиқ ўтиб қолибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ҳайрон қолмоқ** 1) таажжубга тушмоқ, ҳайронликда қолмоқ; саросимага тушмоқ. *Жаллод шунда дорга тортмоқ бўлади, Бу дор туҳматлардан ҳазар қилади. Дор йиқилиб, жаллод ҳайрон қолади.* «Ширин билан Шакар»; 2) қойил қолмоқ. *Унинг абжирлигига ҳамма ҳайрон қолар эди.*

ҲАЙРОНА [*а.* حیرانه – тонг қолган, маҳлиё; гангиб, довдираб қолган] *поэт. айн.* **ҳайрон**. *Келгай эдинг, эй маҳлиқо, ҳар дамда аҳволим сўраб, Бир неча кундир келмадинг, ҳайрона бўлдим соғиниб.* Ҳамза. *У, бекнинг бежо кўзларига ҳайрона термилиб, бошидаги зангори духоба паранжисини секингина қўлига олди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲАЙРОНЛИК Таажжуб, ҳайрат; ҳайрон бўлиш; саросима(лик). *Жувон сапчиб ўрнидан турди. Унинг ранги бир оз ўчган, кўзларида ҳайронлик ва қўрқув аломати бор эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Марҳаматнинг ҳайронлиги ошди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Самоварнинг оташхонасига маҳси кийдириб ўт олдираётган дадаси ҳайронликда туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҲАЙТ *унд.с.* **1** Ҳайвонларни қўзғашни, ҳайдашни билдиради. *«Ҳайт» деган туяга мадад.* Мақол. ▬ *Ҳайт, деб Ҳасан мард Ғиркўкни ўйнатиб, сувлиқни чайнатиб.. ҳа, деб кетиб бораётир.* «Равшан».

2: ҳайт деб (*ёки* **дея**) *айн.* **ҳайё-ҳай деб** *қ.* **ҳайё-ҳай**. -*Шошма. Аввал гапни эшит, – деди Тожибой. – Бир эрдан ёлчимадинг, бундан ҳам ёлчимайсан, келгинди, мусофир одам. Бир кун ҳайт дейди-ю, кетади-қолади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАЙТОВУР 1 Ҳар қалай, нима бўлса ҳам, қандай бўлса ҳам. *..магазинда бошқа нарса топилмаса ҳам, ароқ деганнинг кети узилмайди, уруғи кўпми сабилнинг ёки булo-*

ғи борми, ҳайтовур, босилиб ётибди.* С. Нуров, Нарвон. *Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур, биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу — киноями ёки чинми, ҳайтовур, Қосимов тушунолмади.* Й. Шамшаров, Доврук.

2 Яхшики, яхшиямки; хайрият, хайриятки. *Раҳим Саидов шошиб телефон китобини қўлига олди. Ҳайтовур, телефони бор экан. Трубкани олди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Ётиб еганга тоғ чидамайди. Ҳайтовур, дадам ёшлигида шоҳи тўқишни чала-чатти ўрганиб олган экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАЙТО-ҲАЙТ: **ҳайто-ҳайт деб** *айн.* **ҳайё-ҳай деб** *қ.* **ҳайё-ҳай**. *Ҳайто-ҳайт деб, йўлга равона бўлдилар.*

ҲАЙТ-ҲУЙТ: ҳайт-ҳуйт дегунча Қисқа вақт ичида, кўз очиб юмгунча. «*Ҳайт-ҳуйт*» *дегунча ўзимизни шаҳарга кетадиган катта йўлнинг юзасида кўрган эдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲАЙФ [*а.* حيف — адолатсизлик, ноҳақлик ва шундан етган озор, алам] **1** Арзимаслик, муносиб эмасликни, ачинишни билдиради; аттанг, афсус, эсиз. *Чурук уйингга ҳайф шундай фаришта!* Ойбек, Улуғ йўл. *Нима қиласиз суриштириб? Ҳайф мактаб, ҳайф буларга сарф бўлган пул!* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Йўқ, адрас ҳайф, Раъно, — деди тўнни таҳига солиб [махдум], — ҳалиги бўзни беравер!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Тан олмасликни, эътирозли муносабатни билдиради. *..ҳатто кўчаларда уни тўхтатиб, «ҳайф сенга» деганларнинг кўплигини жиғибийрон бўлиб гапирди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳайф шунақа овқатга.. ахир менга ҳам калла гўштидан қилинган овқат келтирасанми?!* «Муштум». *Нима деяпсиз ўзингиз?.. Кап-катта одам.. Ҳайф сиздай оқсоқолга!* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ҳайф кетмоқ Бекор, бефойда кетмоқ. *..шунча вақти ҳайф кетганига афсусланиб, яна шитоб билан ёзишга киришди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Афанди унинг сохтсумбатига қараб туриб: -Ўн беш кундан кейин ўласан, дори ҳайф кетади, — деди.* «Муштум». **Ҳайф кўрмоқ** Бирор нарсага лойиқ, муносиб ҳисобламаслик, нолойиқ топмоқ. *..сиз бўлсангиз, бензинни ҳайф кўриб юрибсиз.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. *Майнани бошдан-оёқ кўздан кечириб, ойдек ёш жувонни эски-туски кийим-кечакда ҳайф кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Ҳайф қилмоқ** *кам қўлл.* Бекор кетказмоқ. *Қизининг бир йиллик умрини ҳайф қилиш онага мумкин эмасдай кўринарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. **Ҳайфи келмоқ** Ачиниш билан қарамоқ, ачинмоқ. *Майнанинг бу улуғ, содда кишиларнинг гўштсиз шавла, ёғсиз нон ейишларига ҳайфи келди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҲАЙФКИ(М) [*а.* + *ф.* حيفكه — эсиз, афсус] *эск. кт.* Афсус, аттанг. *Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан..* Муқимий. *Теша ёнидаги ўртоғига Саидийни кўрсатиб, -Ёзувчи бўлса, тузук ёзувчи бўлар, ҳайфки, бизнинг кишимиз эмас, — дебди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАЙФСАН Кимсага бирор гуноҳи ёки хатоси учун жазо сифатида расмий бериладиган танбеҳ, жиддий огоҳлантириш. *Ҳайфсан олмоқ. Ҳайфсан эълон қилмоқ.* ▬ *Ҳали, ҳайфсан оладиган бўлдик, деганингизда, бир воқеа ёдимга тушиб қолди.* О. Носиров, Ҳайфсан. *..партиядан ўчирилиш даражасига борганда, кимдир жонига аро кириб, ҳайфсан билан қутулган эди.* О. Ёқубов, Ларза.

ҲАЙФСИНМОҚ Ҳолига ачинмоқ, раҳми келмоқ. *Офтоб ойим қудасининг кетидан қизига ҳайфсиниб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Собир ота ҳайфсинаётгандек қилиб кулумсиради.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ҲАЙЪАТ [*а.* هيئت — шакл, сурат, кўриниш; таркиб, ходимлар; ташкилот, муассаса; комиссия] **1** Бирор вазифани бажаришга белгиланган, сайланган кишилар гуруҳи; таркиб. *Мажлис президиуми ҳайъати. Таҳрир ҳайъати.* ▬ *Шу кундан бошлаб Ғафур ака журналимиз ҳайъатининг фахрий аъзоси бўлиб қолдилар.* М. Жўра, Ноширнома. *Мажлис очилди. Ҳайъат сайланди.* Ё. Шукуров, Қасос.

Ҳайъати риёсат (*ёки* **раёсат)** *эск.* Мажлисни бошқарувчи президиум, президиум таркиби. *Мажлисни жамоа шўросининг топшириғи билан Жўра батрак очди. Ҳайъати риёсатга Карим, Жўра, Қўшоқ, Нодира хола ва Норбувилар сайланди.* Ҳ. Шамс, Душман. **Ҳайъати таълимия** *эск.* Ўқув юртининг педагогик кенгаши. *Уни қўрқитиш керак, сизлар ҳозир мактабдан ҳайдашга қарор қилинглар, ҳайъати таълимияда ўзим олиб қоламан.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Ҳайъати таҳри-**

рия *эск.* Таҳрир ҳайъати. *Янги журнал чиққан, шунга ҳам ҳайъати таҳририя аъзоси қилиб тиқиб қўйишди.* А. Қаххор, Сароб.

2 *эск. айн.* **астрономия.** *Домлам бу масалани* [*Ой тутилиши масаласини*] *менга, ҳайъат фанида бўлгани каби, шарҳлаб тушунтирди.* С. Айний, Эсдаликлар.

Илми ҳайъат *эск.* Астрономия.

ҲАЙҚИРИҚ 1 Шодлик, ҳаяжон, ғазаб, азоб каби кучли туйғуларни, шунингдек, чақириқ, ҳайдаш кабиларни ифодалайдиган қаттиқ овоз, нидо. *«Ура» ҳайқириқлари еру кўкни титратди.* ▬ *-Ёлғон! — Ғуломжон даҳшатли бир ҳайқириқ билан қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу дардли ҳайқириқ Нигоранинг қулоғига етиб, юрагини ўйнатиб юборди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қудрат ажабланганича эшик томон юрган эди, кўча томондан подачининг: -Ҳайдо-о!.. деган чўзиқ ҳайқириғи эшитилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Қўйлар чўпонларнинг ҳайқириғи билан қудуқ томон юрди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 *кўчма* Жонсиз нарсаларнинг шиддатли ҳаракатидан пайдо бўладиган қаттиқ овоз ҳақида. *Дарёнинг ҳайқириғи. Паровознинг ҳайқириғи. Ҳайқириқ солмоқ.* ▬ *Ҳамла қилган қўшин сингари Кумуш ёлли тўлқинлар елар. Бўронларнинг ҳайқириғидан Нахимовнинг овози келар.* Уйғун. *Баҳорда у* [*сой*] *ҳамма ёққа ҳайқириқ солиб оқади.* Й. Шамшаров, Довруғ.

ҲАЙҚИРМОҚ 1 Қаттиқ шиддатли овоз (ҳайқириқ) чиқармоқ (*қ.* **ҳайқириқ 1)**. *Ҳожи сўзини тугата олмади, ҳожининг терс сўзига чидолмаган Азизбек ваҳшийларча ҳайқирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Тўхта, борма! — хотинига аламли ҳайқирди Малик муаллим.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Кейин юганни тортиб: -Ҳай! Чу, чу! — деб ҳайқира бошладилар.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 *кўчма* Шиддатли ҳаракат туфайли қаттиқ овоз чиқармоқ (жонсиз нарсалар товуши ҳақида; *қ.* **ҳайқириқ 2**). *Бир томонда трактор ҳайқирар, тинмас..* Ғайратий. *Дара остида ҳайқириб, паровоздай пишқириб, сой оқмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАЙҚИРОҚ *с.т.* **1** Ҳайқиришга одатланган, шовқин-сурон соладиган, бақироқ (*қ.* **ҳайқирмоқ 1**). *Ҳайқироқ одам.*

2 Шиддатли ҳаракати туфайли қаттиқ овоз чиқарадиган (*қ.* **ҳайқирмоқ 2**). *Халқимиз бекиёс баланд тоғ ошгандай ва ҳайқироқ дарё кечиб ўтгандай қаҳрамонлик кўрсатди.* Газетадан.

ҲАЙ-ҲАЙ 1 Ҳай с. такр. -Ҳ*ай-ҳай, шахтингиздан қайтинг-а, — деди Ҳошим Ғулом акага.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Кампирнинг ҳай-ҳайига қарамасдан, эшикка чиқдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қизиқмисизлар, жиянлар? Ҳай-ҳай, уят бўлади..* «Муштум». *-Ҳай-ҳай, сизга нима бўлди? — деди Меъмор югуриб бориб.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Ҳай-ҳай солмоқ Шовқин-сурон кўтармоқ, ҳайқирмоқ, ҳайҳайламоқ. *Етти маҳалладан ўтарли бақириқни эшитган қўниқўшнилар саросимага тушиб, ким шам, ким пилтачироқ, ким фонус кўтарганича, ҳайҳай солиб, ёпирилиб келиб қолишди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

2 Ҳайрон қолиш, ҳайратланишни билдиради. *Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай..* С. Зуннунова. *Эшик олдига етганда, тўсатдан тўхтаб, орқасига ўгирилган эди, ҳай-ҳай, юзлари табассум нуридан гул-гул яшнаб кетибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ҲАЙҲАЙЛАМОҚ 1 Ҳайвон ва қушларни чўчитиш, ҳайдаш учун қичқирмоқ; бирор ишга даъват, ёрдамлашиш мақсадида турли овозлар чиқармоқ. *Марасул бува ҳайҳайлаб, боғдан чумчуқларни ҳайдар эди.* «Эртаклар». *Сеялка ҳайдовчиларнинг отларга ҳайҳайлаган овозлари эшитиларди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор ножўя иш-ҳаракатдан қайтишга даъват этиб бақирмоқ. *Эшбой узун оёқларини кўтариб, ўша томонга чопган эди, Шерали уни ҳайҳайлаб тўхтатди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Марасул Насибани урмоқчи бўлганда, Заргаров ҳайҳайлаб қўймади.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар. *Тарғилни ечаётсак, сўридан туриб, бувим ҳайҳайлаб қолдилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ҲАЙҲАЙЛАШМОҚ Ҳайҳайламоқ фл. бирг. н. *Отни бир четга чиқариб қўйдиларда, араванинг ғилдирагидан ҳайҳайлашиб итариб, балчиқдан чиқармоқчи бўлдилар.* Ойдин, Фонарь тагида.

ҲАЙҲОТ [*а.* هيهات — қанчалик узоқ! қандай катта фарқ! афсус, эвоҳ!] *унд.с.* Бирор кўнгилсиз ҳодисадан нолиш, афсусланишни ифодаловчи хитобни билдиради. *Ҳайҳот, мамлакат яна парчаланди, юрт вайрон*

бўлди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ёвуз тақдир тиғ урди қалбима, дод! Нетай энди тугалди сабрим, ҳайҳот!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отани сотқинлар осибди дорга. Ҳайҳот! Бахт устига қандай кўргилик?!* Р. Бобожон.

ҲАЙҲОТДАЙ, -дек *с.т.* Бўш, ҳувуллаган; жуда катта, жуда кенг; бепоён. *Шамол боягидан кучайиб.. ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз қолган кампирнинг юрагига баттар ғулғула соларди.* Р. Файзий, Эл меҳри. *У пастликдаги ҳайҳотдек жарликни, уфқларни кўришни хаёл қилганди чоғи.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Ўзини машинадан ташласинми? Шу ҳайҳотдек чўлда-я?* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ҲАЙ-ҲУВ: **ҳай-ҳув қилмоқ** Шодлик, ғазаб каби кучли ҳис-ҳаяжонларни ифодалаб, турли овозлар чиқармоқ. *Бир куни Ҳиндистон парламенти биноси ёнида одамлар ҳай-ҳув қилиб, байроқ кўтариб турарди.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ҲАКАЛАК 1 Бир оёғи йўқ. *Чап оёғингизни кесишармиш. Икки оёқ билан сиздан кўрганим шу бўлса, энди ҳакалак бўлганда нима қилардингиз. Бир камим чўлоқ боқишмиди!* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 *бол.* Ерга чизилган катаклар бўйлаб бир оёқлаб сакраб ўйналадиган болалар ўйини. *Ҳакалак ўйнамоқ.*

Ҳакалак отмоқ Бир оёқлаб ирғиб-ирғиб юрмоқ. *Севар бир оёқда ҳакалак отди, лайлак бўлиб учди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. **Нафси ҳакалак отмоқ** 1) иштаҳаси жуда очилиб, ейиш, ичишдан ўзини тўхтатолмаслик. *Нафси ҳакалак отиб кетганда, подадаги икки-учта сигирни ушлаб, навбати билан соғиб ичарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар; 2) ўзиники қилиш, ўзлаштиришда иштаҳаси карнай бўлмоқ. *Эгов ва бошқа бир қанча товарларга ҳам мудирнинг ҳакалак отган нафсига жавоб берадиган даражада устама нарх қўйилди.* А. Тўлаганхўжаев, Чигирткалар. *Нафси ҳакалак отган Ҳамро Сафоев бирдан давлат ҳисобидан жарақ-жарақ пул ундириш пайига тушиб кетди.* «Муштум».

ҲАКАМ [*а.* حکم – судья, қози; тренер] **1** Тарафлар ўртасидаги келишмовчиликни, жанжални судсиз бартараф этувчи, келиштирувчи холис воситачи; арбитр. *Унча катта бўлмаган бу қишлоқнинг ўз кайвонисию бузғунчиси, ўғрисию ҳаками, бахтлисию бахтсизлари бор.* «Ёшлик». *Кетдилар-ку шум риёлар имонни алдаб, Ҳакам бўлсин, ҳақни айтсин биладиганлар.* А. Исроилов.

2 *айн.* **судья 1.** *Йигитали шу дамларда худди ҳозир устидан ё ҳаёт, ё мамот ҳукми чиқарадиган ҳакамни кутаётган маҳбусдек, таҳликага тушиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 Спорт, шунингдек, санъат мусобақасида қатнашганларнинг маҳоратига баҳо берувчи шахс; арбитр. *Ҳакамлар ҳайъати.* ■ *Улоқни олган одам даврани уч айланиши керак бўлади. Шундан кейингина уни ҳакамлар олдига ташлаб, совринни олиш ҳуқуқига эга бўлади..* К. Яшин, Ҳамза. *Айтайлик, футбол бўйича жаҳон чемпионатида манман деган ҳакамлар ҳам дунё кўз олдида ғирромликка йўл қўядилар-ку!* Газетадан.

ҲАКАМЛИК Ҳакам лавозими, вазифаси, иши. *Бизнинг ҳакамликка муҳтождир энди Давр ҳар саволи, ҳар жавобида.* А. Мухтор. *Спорт комитетининг мутасадди кишилари мусобақаларни ўтказиш, ҳакамлик қилиш ишларига бевосита жамоатчи судьяларни.. жалб этишмоқда.* Газетадан.

ҲАКАЧАКЛАМОҚ *шв. айн.* **ҳаккаламоқ 1**. *Қудрат оёғининг оғриғини сездирмасликка тиришиб, қайрағоч тагига ҳакачаклаб борди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАКАЧАЛАМОҚ *айн.* **ҳаккаламоқ 1**. *Раис олдинда ҳакачалаб бораётган Исомиддинга эргашди-ю, бир оз юргач, тақир-тошлоқ даштга қараб, тақа-тақ туриб қолди.* Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари.

ҲАКИЛЛАМОҚ *шв. айн.* **ҳаккаламоқ 1**. *Қўзи бечора уч оёқлаб ҳакиллаб, жон-жаҳди билан маърайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАКИМ [*а.* حکیم – доно, оқил, донишманд; табиб; файласуф] **1** Ўткир табиб; врач, доктор. *Қадимги дунё ҳакимлари киши асабига музиканинг таъсирини алоҳида таъкидлаганлар.* Газетадан. *Шу касалга чалинганимда, бир ҳакимга бордим. У томиримни ушлаб: -Сизники косиб касали, далага чиқинг.. – деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Донишманд, файласуф. *-Бир замонда, – деди дадам, – Афлотун деган бир ҳаким ўтган экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фаробий улуғ юнон ҳакимининг жуда чигал фалсафий мулоҳазалари мағзини чақиб берган.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

3 Ҳаким (эркаклар исми).

ҲАКИМА [*а.* حكيمه – донишманд аёл; табиб аёл] **1** Аёл ҳаким, табиб; врач, доктор. *Сайёра Ҳақназаровани бекорга мақтамайдилар, бекорга табриклаб олқишламайдилар, бекорга шифокор, қўли енгил ҳакима, деб атамайдилар.* Қ. Исломов, Шифокор – санъаткор.

3 Ҳакима (хотин-қизлар исми).

ҲАКИМЛИК Ҳаким иши, машғулоти, касби. *Аввалга келиши биланоқ ҳакимлик ишига шўнғиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАККА *айн.* **зағизғон**. *Ҳаккалар кўп, улар дарахтларнинг чакалак шохлари орасида типирчилаб, япроқларни учириб юришади.* Ш. Холмирзаев, Зов остида олишув.

Ҳакка уйғонмасдан Эрта тонгда, барвақт. *Абдусамад ҳар кун эрта билан, ҳакка уйғонмасдан, кўчага отилар эди.* Ойбек, Навоий.

ҲАККА-ДУККА *айн.* **ҳаккам-дуккам**.

ҲАККАЛАК: **нафси ҳаккалак отмоқ** *айн.* **нафси ҳакалак отмоқ** *қ.* **ҳакалак**. *Нафси ҳаккалак отган бир кишининг димоғига қаёқдандир келаётган зира-кабоб ҳиди гуп этиб урилибди.* «Муштум». *Аммо бу билан унинг кўнгли тўлмади, нафси яна ҳаккалак отаверди.* «Муштум».

ҲАККАЛАМОҚ 1 Бир оёғини босолмай ёки тушовли оёғи билан сакраб-сакраб юрмоқ. *-Қўлтиқтаёқ тутган касаллар ҳаккалаб, ҳар томонга қочар, аянчли товушлар эшитилар эди, – деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Нормат бор кучини ўнг оёғига тўплаб, ҳаккалаб юрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Текис юрмай, ирғиб-ирғиб, сакраб-сакраб юрмоқ. [*Ражаббойнинг*] *Машинаси текис йўлдаги сингари равон юрмади, эгат, ўйдим-чуқурларда қалқиб, ҳаккалаб кетаверди.* Й. Шамшаров, Довруқ. *Нотекис жойда ҳаккалаб, тупроқ тўзитиб бораётган мотоцикл тўсатдан тошга урилиб, бир чеккага қайрилди.* И. Раҳим, Ихлос.

ҲАККАМ-ДУККАМ *с.т.* Унда-бунда, якка-дукка, жуда сийрак. *Ҳаккам-дуккам дарахтлар. Экилган уруғлар ҳаккам-дуккам чиқди.* ▬ *Адирлар бағридаги, харсангтошдан қурилган ҳаккам-дуккам иморатлар худди бир-бирига мингашиб кетгандай эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Холиқвой ҳаккам-дуккам сариқ тишларини кўрсатиб, ғалати жилмайди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ҲАККАР: **ҳаккар кавуш** *эск. шв.* Ёғоч кавуш. *Маҳалла сўфиси нималардир деб ғудиллаб, ҳаккар кавушини дўқиллатганча, уларнинг ёнидан ўтиб кетди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ҲАККАЧАКЛАМОҚ *айн.* **ҳакачакламоқ**. [*Мўтилал*] *Ўнг оёғини ерга теккизолмай, ҳаккачаклаб юра бошлади.* Мирмуҳсин, Мўтилал.

ҲАККАЧОВЛАМОҚ *шв.* Ҳакачакламоқ. *Искандар.. бедаси ўрилган пайкалда тушовини судраб, ҳаккачовлаб юрган эшакдан кўзини узмасди.* С. Нуров, Нарвон.

ҲАККОК [*а.* حكّاك – сангтарош, тоштарош; сайқал берувчи] Қимматли тошларни ўйиб, тарошлаб, пардоз берувчи уста. *Хива ёғоч, тош, ганч ўйиб нақш ишлайдиган наққошлари, заргарлари, ҳаккоклари, гилам тўқувчилари билан шуҳрат қозонган.* Газетадан. *Фарҳод бўшаса, кўнглига келса, бир ҳаккок тош биткичларнинг дўкони қошига бориб туради.* «Баҳром ва Гуландом».

ҲАКЛАМОҚ *айн.* **ҳатламоқ.** *Сорахон унинг устидан ҳаклаб ўтиб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Эргаш ака «Победа» ҳаклаб бораётган асфальт лентадан кўз узмайди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

ҲАЛ I [*а.* حل – чигални, тугунни ечиш, ойдинлаштириш] Ечимини топган, бир ёқли этилган; нима қилиш лозимлиги аниқланган (муаммоли, чигал масала ҳақида). *Масала ҳал.* ▬ *Ҳар лаҳза замонлар умридек узун, Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал.* Ғ. Ғулом. *Бир масаланинг ҳали учун қошингизга келган эдим.* Ойбек, Навоий.

Ҳал қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) бирор масала, муаммо юзасидан аниқ тўхтамга келмоқ, муаммони бартараф этмоқ, ечмоқ. *Олтин муаммосини ҳал этиш – геология олдида кўндаланг турган ғоят улкан вазифалардан бири.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳар турли мушкулотларни ҳам ақл билан ҳал этмишлар.* Ойбек, Навоий. *Бу масалани мутахассислар ҳал қилишади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.- *Ҳали корхонада ҳал қилинмаган муаммолар.. анчагина.* Газетадан; 2) тақдирини белгиламоқ, тақдири боғлиқ бўлмоқ, бир ёқли қилмоқ. *Кузги ҳосил тақдирини сафарбарлик, уюшқоқлик, қатъият ҳал қилади.* Газетадан. *Бу ерда масалани соат эмас, минутлар ҳал қилади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Мирзамуҳаммад*

Расулович ходимларнинг орқасидан тақдирларини ҳал қиладиган бошлиқлардан эмасди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳал қилувчи ўйинда спартакчи қизлар ўзига хос чаққонлик, ирода ва йиғинчоқлик кўрсатишди.* Газетадан.

ҲАЛ II [*а.* حلّ – эриш, эритиш] Тилла, кумуш ёки бронза кукунидан ясалган бўёқ. *Деҳлидаги масжид ва мезаналарнинг керагидан ортиқча ҳалларини, кошинларини, нақшларини қаердадир кўргандаймиз.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Тонг аллақачон отган, дарахт учларига олтин ҳал юритилгандек эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ҲАЛАК [*а.* هلاك – ўлим, ўлиш; вафот қилиш; ҳалок бўлиш] Ҳолдан тойган, азобли ҳолатда. *Изингиздан чопаман, Ҳайқираман мен ҳалак.* С. Очил, Умидвор қушча. *Нега бугун бемадорсан, ҳалаксан?..* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ. *..кўзим қиймаганидан, ишим кўплигига қарамай, келишга келдим-у, кетишнинг иложини тополмай ҳалакман.* Ойбек, Улуғ йўл.

Жони ҳалак Куйинган, куйманган ҳолатда; бирор нарса кўйида, ҳаракатида безовта, нотинч ҳолатли. *Эрталаб нонуштангизни, кечқурун овқатингизни тайёрлайман, деб жоним ҳалак.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Бунинг устига ҳар қадамда душман. Бир фалокат бўлмаса, деб жоним ҳалак.* Ҳ. Ғулом, Машъал. **Ҳалак қилмоқ** Азобга қўймоқ, қийнамоқ. *Бу сўзимни энам, синглим билмасин, Йиғлаб, ўзин отиб ҳалак қилмасин.* «Муродхон».

ҲАЛА-ҲУЛА *шв.* Унча-мунча. *Аёл кишининг жони қирқта бўлади, ҳала-ҳулага ўлмайди.* И. Шомуродов, Мағлубият.

ҲАЛВО [*а.* حلواء – ширинлик, қандолат маҳсулоти] *айн.* **ҳолва**. *«Ҳалво» деган билан оғиз чучимайди.* Мақол. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар.* Мақол.

Бу (ҳали) ҳалво Ҳали ҳеч гап эмас, чидаса бўлади. *Қор кетган бўлса ҳам, ҳали заҳри бор. Бу-ку, ҳалво.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАЛВОГАР [*а. + ф.* حلواگر – ҳолва тайёрловчи ёки ҳолва сотувчи] *айн.* **ҳолвагар**. [*Улар*] *Асабга тегадиган болғача садосидан тезроқ узоқлашиш учун ҳалвогар растасига бурилиб, қозон бозори орқали поякиликка ўтиб кетдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ҲАЛВОЙТАР [*а. + ф.* حلوائی‌تر – нам, ҳўл (сувли) ҳолва] *айн.* **ҳолвайтар**. *Қўшнилардан бир хотин менга тутмайиздан ҳалвойтар пиширишни ўргатди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҲАЛДОР [*а. + ф.* حلدار – ҳалланган, ҳал қопланган] Ҳал билан бўялган, ҳал берилган. *Залнинг тўрида, кичкина ҳалдор бир эшикча ёнида, атлас кўрпача устида.. қизил духобадан кийинган кўркам бир ўғлон палов еб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАЛИ 1 Бундан бир оз илгари; боя. *-Қачон келдинг? -Ҳали келдим. Ҳали шу ерда эди. Ҳали келиб кетган эди.* ▬ *-Уйларингда ким бор? -Ҳали кирганимда, дадам билан Йўлчи акам бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен ҳали уни қўшнингиз уйидан чиққан ҳолда кўрган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўп вақт ўтмасдан, яқин орада; ҳализамон. *Ҳали келса кўрарсиз, Кула-кула ўларсиз* (маймун). «Топишмоқлар». *Ҳали ўғилларим ҳам молдан келиб қолишади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Иш-ҳаракат, ҳолатнинг амалга ошмаган, белгининг, белги-ҳолатнинг тўлиқ даражага етмаган вақтини билдиради; ҳозирча. *Тонг отишига ҳали вақт эрта. Ҳали хомсан – пишарсан, Бу дамингдан тушарсан.* Мақол. ▬ *Қуёш ботган, лекин кун ҳали ёруғ, ҳар ёққа оқшом сукунати чўзилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Алишер ўйинқароқлиги тутди-ю, ҳали қуриб улгурмаган нам этикчасини кия солиб, ҳовлига тушди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *-Тўпқайрағочга яқин қолдими? -Ҳали бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ҳали ҳам Шу вақтга қадар; ҳануз, хамон. *Баширжон трубкани қўяркан, ҳали ҳам эшик олдида ҳадиксираб турган Зевархонга қараб жилмайди.* Н. Аминов, Суварак. *..баъзан душман самолётлари пайдо бўлишини ҳисобга олмаганда, урушдан ҳали ҳам дарак йўқ эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 *юкл.* Таъкид, кучайтирув билдиради. *Вой шармандалар, ҳали қочириб юбордик денглар-а.* Н. Фозилов, Дийдор. *Сен писмиқни, ҳали шошмай тур..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *-Ҳали шунақами! – деди ва эшикни зарда билан ёпиб чиқиб кетди.* «Муштум». *Ошни дамлаб, ҳали ўтирибман, ҳали ўтирибман..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Такрор ҳолда қўлланиб, айирувчи боғловчи вазифасида келиб, «гоҳ.. гоҳ», «дам..

дам» маъноларини билдиради. *-Фарғонага боргунимизча ҳали Шукрулло, ҳали Мирмуҳсиннинг танишлари топилаверса, бу яқинда манзилга етолмаймиз, — деб Саид Аҳмад ҳазиллашди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ҲАЛИ-БЕРИ Яқин вақт ичида, яқин орада; тезда (инкор мазмунли гапларда қўлланади). *Маҳкам ака ҳам ҳали-бери турадиган ҳолатда эмас эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Ҳавонинг авзойига қараганда, ҳали-бери тинадиганга ўхшамасди..* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Тўғриси, Марҳаматнинг ўзига қолса ҳам, ҳали-бери қайтгиси йўқ эди-я, фақат ҳавонинг ўзгаргани уни ўйлатиб қўйди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАЛИГА: ҳалига қадар *айн.* **ҳалигача**. *Ҳалига қадар хабар йўқ.*

ҲАЛИГАЧА *рвш.* Шу пайтгача, ҳозиргача, ҳамон, ҳали ҳам. *Ҳалигача идора очилмабди-я!* ▬ *Олимжондан ҳалигача дарак йўқ!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҲАЛИГИ *олм.* **1** Бундан сал илгари тилга олинган, бўлган шахс, нарса ўрнида қўлланади, унга ишора қилади; бояги, ўша. *Ҳалиги машина кимники? Ҳалиги келган ким эди?* ▬ *Атрофимга алангласам, ҳалиги шерикларим ҳам кетиб бўлишибди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Йўлчи ўз манзилига қайтиб, пичан «тўшакка» чўзиларкан, ҳалиги ердан яна ноғора тарақлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *..Ҳалиги юрак ўйноғиси тағин ҳам кучайди..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Айтилмоқчи бўлган шахс, нарса ҳақидаги сўз, гап ёдга келмай турган пайтда худди шу ҳолатни қайд этиш учун қўлланади. *Даладан қайтаётсам, ҳалиги, отини эсдан чиқардим, анави Тоштемирнинг тоғаси дуч келди.* «Ёшлик». *Ҳалиги, оти қурсин.., Маликбойнинг майдонида!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳалиги, айтмоқчи, чақаси нима бўлади, — деди ошхона мудири..* «Муштум».

ҲАЛИГИДАЙ, -дек 1 Ҳалиги с. нинг ўхшатиш шакли; боягидай. *Ҳалигидай шилқимларни жиним суймайди. Ҳалигидай гапларни гапирмагин! Фронтдаги воқеалар ҳалигидай ёдимда.* ▬ *Шу бугун кечқурун ҳалигидай диққат бўлиб ўтирганида, яна Латофатхон эсига тушиб, бир фикрга келди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

2 *с.т.* Кўнгилдагидек эмас; ёмон (иш, аҳвол ҳақида). *Ишлари ҳалигидай. Кўнглига ҳеч нарса сиғмайди.* ▬ *Ишқилиб, акамдан ҳалигидай хат келмаган бўлсин-да. Йўғ-э, келмагандир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАЛИГИДАҚА *с.т.* Ҳалигидай. *Ҳалигидақа гаплар. Ҳалигидақа ишлар. Ҳалигидақа одамлар.*

ҲАЛИДАН-ҲАЛИ Ҳадеганда, ҳадеб, ҳали ҳам. *Бу ошишлар, бу кечишлар ўзга вақтларда Отабек учун ҳузур ва ошиқиш бағишлаган бўлсалар, бу гал уни нафратлантирадилар, бормай қайтиш фикри ҳалидан-ҳали кўнглига келиб турадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳалидан-ҳали Мурод-жон кўз ўнгимдан ўтар, аммо бугун келмаслигига қатъий ишонар эдим, — деди Нафиса.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

ҲАЛИЗАМОН *с.т.* Кўп вақт ўтмасдан, тез орада, сал вақт ичида. *У ҳализамон келиб қолади.* ▬ *Булутларнинг ҳаракати бежо. Ҳализамон тепамиздан челаклаб қуйиб берса ҳам эҳтимол.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳализамон чўл «оқ олтин» ўлкасига, гуллаган воҳага айланади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҲАЛИЙДАҚА *с.т.* Ҳалигидай. *-Мен аввали бу хатни биронта қизданми, деган эдим. Аммо, ҳалийдақа одам тушунмайдиган гаплар битилганига бошим қотиб қолди, — деди Норбуви.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲАЛИМ I [*а.* حليم — юмшоқ, ювош, мулойим, беозор; сабр-тоқатли] **1** Кишига қаттиқ ботмайдиган, мулойим, ёқимли (товуш, муомала ва шундай муомалали киши ҳақида). *Ҳалим муомала.* ▬ *Сув тепасида одамлар ўт бўлиб ёнади, бошқа вақтларда энг сокин, энг ҳалим одамлар, сув бошида жанжал чиқса, сўз ва далил ўрнига мушт билан, кетмон кўтариш билан иш кўришга тиришадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир-икки дақиқа сукутдан сўнг Саидаҳмадхон сунъий табассум, ҳалим овоз билан сўз бошлади.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ҳар гапидан, ҳаракатидан ғурур акс этади. Муомалада ҳалим.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Умар қишлоққа кўчиб келган кезлари юмшоқ супургидай ҳалим йигит эди.* «Муштум».

2 Ҳалим (эркаклар исми).

ҲАЛИМ II [*а.* هليم — ёпишқоқ, елимшак] **1** Сувга буғдой ёрмаси ва гўшт солиб, узоқ (ҳил-ҳил бўлиб кетгунча) қайнатиб пишириладиган қуюқ овқат. *-Ҳазратойим-*

нинг даҳалари бўлди. Чунонам басавлат, чунонам гавжум бўлдики, дошқозонда ҳалим улашдилар, — деди Анзират. А. Мухтор, Опасингиллар. *Пишган ҳалимнинг буғдойи эзилиб, гўшти эса ҳил-ҳил бўлиб кетади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *кўчма* Қаттиқ эмас, юмшоқ. *Гўшт қайнайвериб, ҳалим бўлиб кетибди.* ▬ *Воҳидларнинг қишлоғида бошқа ерларда жуда кам учрайдиган ҳалим ва ширин олма бор.* О. Ёқубов, Тилла узук.

ҲАЛИМДАЙ, **-дек** Юмшоқ, мулойим, ёқимли. *Ҳалимдай қиз.*

ҲАЛИМХОНА [ҳалим + хона] Ҳалим пишириладиган ва улашиладиган жой. *Ҳалимхона у ерда-ю, зикирхона бу ерда.* Мақол.

ҲАЛИНЧАК *айн.* **ҳайинчак**. *Ойчинор юзини сувга ювиб, ҳалинчакни арчага осиб.. ҳалинчак уча бошлади.* «Ойсулув». *Ҳалинчак бир чап сайин, бир ўнг сайин юқорилаб турди. Қиз ҳалинчак учишга қараб, гоҳ ўтирди, гоҳ турди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҲАЛИТДАН 1 Меъёрдаги, мўлжалдаги вақт келмай, ундан аввалроқ; ҳозирданоқ. *Сен ҳалитдан қўрқиб, юрагинг ёрилиб, ҳар нима деявердинг, нима бало бўлди?* «Равшан». *«Ҳалитдан қўлига бигиз-сўзан берсанг, эзилиб қолади», деб ўйларди у.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Ҳалитдан кўз ёши тўксанг, ҳамшаҳарингни кўрганда, дод солиб йиғлар экансан-да?* О. Ёқубов, Излайман.

2 Бундан бир оз илгаридан; боядан. *Ҳалитдан бери буларнинг гапларига қулоқ солиб, жимгина ўтирган Норбой гапга аралашди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҲАЛИ-ҲАЛИ Шу вақтгача; ҳозиргача, ҳамон, ҳалигача. *Ҳали-ҳали ёдимда.* ▬ *Ҳали-ҳали эсласам, вужудим зирқирайди. Уруш лавҳалари ҳали-ҳали кўз ўнгимда.* ▬ [*Обиджонни*] *Косовни олиб қувишга қувдим-у, ҳали-ҳали ичим ачийди: бола бечора нима гуноҳ қилибди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У очган музликлар, олимнинг жасорати ҳали-ҳали машҳурдир.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҲАЛЛАМОҚ Ҳал билан бўямоқ, безамоқ.

ҲАЛЛИ Ҳал берилган, ҳал билан ялтиратилган. *Олтин ҳалли курси. Кумуш ҳалли безаклар.* ▬ *Мунира бежиримгина, ҳалли пиёлага шампан қуйиб, ўртага чиқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ҲАЛЛОС: ҳаллос урмоқ *айн.* **ҳаллосламоқ**. *Кўчқор пешонаси, ёноқлари, кекирдаги, муздай сувда ювингандай шалаббо бўлиб, ҳаллос уриб, лўкиллаб югурди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАЛЛОСЛАМОҚ Тез, кўп ва қаттиқ ҳаракат (мас., югуриш) туфайли оғир-оғир нафас олмоқ, ҳансирамоқ. *Қараса, бир кампир ҳаллослаб келаётибди.* «Равшан». *Узоқдан бир бўри ҳаллослаб, югуриб келар эди.* «Эртаклар». *Шу чоғ ёнбош кўчадан итини югуртирганча, ҳаллослаб, Раҳим чиқиб қолади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАЛЛОСЛАТМОҚ **Ҳаллосламоқ** фл. орт. н. -*Мени сув ташишга ўтказишди: ҳаллослатиб қўйяпти, — деди қария Аҳмаджонга.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҲАЛОВАТ [*а.* حلاوت — лаззат, завқ; ҳузур; ёқимлилик; ширинлик, нозиклик] **1** Тинч, озорсиз, беташвиш ҳолатда уйғонадиган, юзага келадиган ҳис-туйғу; ором, роҳат. *Ғазал ёзишдан мақсад жонга роҳат ва дилга ҳаловат келтиришдир.* М. Шайхзода, Ғазал мулкининг султони. *Ким ҳам айтганди, ўртада фарзанд бўлмаса, турмушда ҳаловат ҳам бўлмайди, деб.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Зирапча кирса ҳам, тиш оғриса ҳам, ҳаловат йўқолади.* «Фан ва турмуш».

2 Тинч, осойишта ҳолат. *Шу сокин кечанинг ҳаловатини бузиб, бировларнинг уйида — қўрғонида ўрмалашиб юрган бу йигит ким экан-а?* Ғ. Ғулом, Соялар. *Жаббор полвон полга жой солиб ётди. У тинчиб, кўз юмди-ю, Жуман ухлай олмади. Негадир ҳаловати қочган эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Фақат Юлдузхонни кўрдим-у, ҳаловатимни йўқотдим, юрагимга худди чўғ тушгандай.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Бирор нарсанинг бошқасига нисбатан «ҳеч гап эмас», «чидаса бўладиган», «буниси ҳолва» экани маъносини билдиради. *Буниси ҳаловат..* ▬ *Қор ҳам ҳаловат экан, эртасидан бошлаб қаттиқ қорасовуқ бошланди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАЛОВАТЛИ 1 Ҳузур-ҳаловат бағишловчи. *..ҳозир унинг кўнглида бир-бирига зид, асов туйғулар жунбишга келиб, жисму жонини гоҳ безовта қилса, гоҳ ҳаловатли кечинмаларга ғарқ этаётган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Осойишта, тинч; сокин. *Ҳаловатли тун.*

ҲАЛОВАТСИЗ 1 Ором, роҳати йўқ; ҳузурсиз. *Ҳаловатсиз ҳаёт.*

2 Осойишталик ҳукм сурмайдиган; нотинч, ташвишли. *Ҳаловатсиз тун.*

ҲАЛОВАТСИЗЛИК Ҳаловатсиз, нотинч ҳолат. *Домланинг оилавий ҳаловатсизлиги ҳасрат қиларлик даражага етганлигидан Аббосхон чўчиди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шу кундан ҳаловатсизлиги бошланиб кетди.* «Муштум».

ҲАЛОК [*а.* هلاك – ўлим, ўлиш; вафот қилиш; ҳалокат]: **ҳалок бўлмоқ** 1) фожиали равишда ўлмоқ. *Зокирнинг отаси бир йил олдин урушда ҳалок бўлган.* П. Қодиров, Уч илдиз; 2) бахтсиз ҳодисага, ҳалокатга учраб нобуд бўлмоқ. *Кема ҳалок бўлди*; 3) ҳалок қилмоқ, ўлдирмоқ. *Норбўтабек сизни ҳам отамдай ҳалок қилади.* Ғ. Расул, Адолат.

ҲАЛОКАТ [*а.* هلاكت – вайрон бўлиш (қилиш), ўлим; ўлиш; фалокат, хавф-хатар] **1** Фожиали ўлим. *..кўзига ҳеч нарса кўринмас, фақат Худойбердиевни ҳалокатдан қутқариш тўғрисида ўйлар эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Бектемир шу пайт, «қимирлаш – ҳалокат» деган синалган дастурдан воз кечди-да, окопдан ирғиб чиқди ва гоҳ эмаклаб, гоҳ сакраб чопди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Бирон сабаб туфайли юз берувчи фалокатли ҳодиса. *Машина ҳалокати. Поезд ҳалокати.* ▬ *Ҳасан сўфи билан Алим бувани қишлоққа қайтарган нарса минут сайин хавфга, кун сайин ҳалокатга айланиб бораётган унгур масаласи эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Таг-томир билан емирилиш, барбод бўлиш. *Кескинлашган синфий зиддиятлар миллий озодлик ҳаракатини янада кучайтириб, колониализмнинг ҳалокатини тезлаштирди.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

4 Катта фалокат, ўлим келтирувчи ҳолат. *Ҳалокат олдида турмоқ.* ▬ *Бу эса одамларни қийнаши, ҳалокатларга сабаб бўлиши, эҳтимол.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Қаёққа кетамиз, тақсир? – Бобоқул ҳалокат оғзида қолган кишидай Махсумга умид билан тикилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАЛОКАТЛИ Ҳалокатга сабаб бўладиган, олиб борадиган (**ҳалокат** – барча маъноларида). *Гапнинг хулласи – Ўрта Осиё шароитида мериноslар учун ҳалокатли бўлган заифликлар бартараф этилар эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳалокатли жараён кутилмаганда тез юзага чиқди.* Газетадан. *Алкоголь нафақат жигарга.. умуман, бутун ички аъзоларга ҳалокатли таъсир кўрсатади.* Газетадан.

ҲАЛОЛ [*а.* حلال – рухсат этилган, йўл қўйилган; қонуний, асосли; тўғри, виждонли одам] **1** *дин.* Шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас. *Пулни олмадим, минг марта розиман, сизга она сутидай ҳалол бўлсин..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери тўкиб топилган; хиёнат, ғирромлик кабилардан холи. *Жон-дилидан ҳалол ишлайдиган одамлар билан иноқ..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Тўғри тут ишингни ва ҳалол яша!* Шуҳрат. *Маҳфуза энди қинғирликни ташлар, болаларини ҳалол пул билан боқиб, вояга етказар..* Газетадан.

3 *кўчма* Ғирромликка ўрганмаган, қинғир йўлга бормайдиган, бировни алдамайдиган; тўғри, софдил. *Ҳалол киши. Ҳалол ишламоқ.* ▬ *Колхоз раиси умри етимлик билан ўтган ҳалол одам.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [*Заргаров*:] *Бечора Оқила ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон аёл.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Азалий халқинг бор бир эл қатори, Тантию меҳнаткаш, тўғрисўз, ҳалол.* А. Орипов, Йиллар армони.

4 Никоҳлаб олинган, қонуний (хотин ҳақида). *Бировнинг ҳалолини биров суядиган замон экан-да, водариғ?* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Ўзининг бир эмас, иккита хотини бўла туриб, тағин бир йигитнинг ҳалолига кўз олайтириш..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *спрт.* Ўзбек курашида соф ғалабага бериладиган баҳо.

ҲАЛОЛА [*а.* حلاله – ҳалол хотин] 1 Эрига хиёнат қилмайдиган, ҳалол хотин.

2 Никоҳлаб олинган, қонуний хотин.

ҲАЛОЛИ [*а.* حلالی – рухсат этилган; қонуний, тўғри] Никоҳли эр-хотиндан туғилган бола, қонуний фарзанд.

ҲАЛОЛЛАМОҚ 1 *дин.* Ҳалол қилмоқ, шариат қонун-қоидасига мувофиқ еса-ичса бўладиган қилмоқ.

2 *кўчма* Бирор нарсани оқлайдиган, унга арзийдиган, муносиб иш қилмоқ. *Еган тузингни ҳалолла!* ▬ *Инсоф ҳам керак-да!*

Нонни ҳалоллаб ейиш керак. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Урушда ҳам ўғлим сутимни ҳалоллабди. Болаларимдан розиман.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

Қўлини ҳалолламоқ (*ёки* **ҳалол қилмоқ**) Хатна қилдирмоқ. *Ҳа, полвон ака, жиянларингизнинг қўлини ҳалол қилмоқчи эдик.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Шоймардон — ферма мудири, ўғлининг қўлини ҳалоллади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҲАЛОЛЛИК 1 Виждон билан, инсоф юзасидан иш тутиш; тўғрилик, софлик. *Ҳалоллик, тўғрилик, поклик — одамийликнинг энг зарурий мезонидир.* Газетадан. *Ёшликда ҳамма ҳам олийжаноб ҳислар, соф виждон, ҳалоллик, номус ҳақидаги фикрлар билан тўлган бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Эрга ёки хотинга хиёнат қилмаслик; вафодорлик.

3 Ҳалол эканлик. *Мен мавизни тамом шаръий қилиб тайёрлайман, тунов куни маҳалламизнинг охунлари ҳалоллигига фатво бериб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАЛОЛХЎР [*а.* + *ф.* حلالخور — ҳалол еювчи; ҳалоллик билан кун кечирувчи] *кам қўлл.* Ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилувчи, кишиларни алдамасдан яшовчи, нонини оқлаб еювчи. *Ҳаромхўрларга биз доим кушанда, Ҳалолхўрларга ёр «муштум»чилармиз.* С. Абдулла. *Томошага чиққан жами фуқаро, Ҳалолхўр хизматкор, деҳқон, бечора.* «Хушкелди».

ҲАЛП: жон ҳалпида Жон ҳолатда, нафаси оғзига тиқилиб. *Майна энди орқадаги вагонга юк ташиётганларга қарарди. Юкчилар забардаст елкаларини букиб, жон ҳалпида олдинга интилишади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Хотини жон ҳалпида югуриб бориб, эрига ёпишди.* «Муштум».

ҲАЛП-ЗАЛП 1 Оғир меҳнатдан ҳарсиллаш, ҳаллослаш.

2 *кўчма* Жонбозлик билан астойдил меҳнат қилиш. *Усти ўраб ташланган пахта бунтлари баланд деворлар оша ёнма-ён қад кўтариб турарди: озмунча ҳалп-залпнинг мевасими булар!* Й. Шамшаров, Доврук.

ҲАЛПИЛЛАМОҚ 1 Кенглигидан киши қаддига салқи келиб, осилиб турмоқ (кийим ҳақида). *Ҳар қадамда дастурхон, қанорқопдай ҳалпиллаган кўк кўйлаги шох-шаббаларга илинавериб безор қилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Устида отасининг чопони ҳалпиллаб турарди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Лапанглаб югурмоқ, елмоқ; селкилламоқ. *Арслонқул ҳовлиқиб, ҳалпиллаб, уйга қайтди.* Ойбек, Навоий. *Уйдан боланинг бўғиқ чинқириғи эшитилиб, хотин ҳалпиллаганича уйга югурди.* С. Абдулла, Обрўйим тўкилади.

ҲАЛПИНЧОҚ *шв.* Ҳайинчак. *Қалдирғоч мастон юз ўн еттига кириб эди, алпинчоқ, салпинчоқ, таққани эшакмунчоқ, ўйнагани қўғирчоқ, учгани ҳалпинчоқ.* «Хушкелди».

ҲАЛП-ҲАЛП: ҳалп-ҳалп қилмоқ *айн.* **ҳалпилламоқ**.

ҲАЛФАНА [*а.* + *ф.* حليفانه < حليف — шерик, иттифоқдош] Ўртада масаллиқ тўплаб тайёрланадиган овқат. -*Ҳалфанага палов қилмоқчи бўлдик.. Ҳуснибий ошпаз бўладиган бўлди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲАЛФАНАЧИ Ҳалфана қатнашчиси. -*Ёғ эриб оққан, тухум синган бўлганидан, ҳалфаначи ўртоқларимнинг олдига боришдан маъно чиқмас эди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲАЛҚ [*а.* حلق — томоқ, бўғиз; танглай] *эск. айн.* **ҳалқум**.

ҲАЛҚА [*а.* حلقه — чамбар, гардиш, ғилдирак; тўгарак; кишилар давраси] **1** Металлдан эгиб, икки учини бир-бирига қўшиб ясаладиган доира шаклидаги буюм. *Темир ҳалқа. Эшик ҳалқаси.* ▬ *Айвон эшигида бир эмас, иккитадан янги қоқилган ҳалқаларга кўзи тушиб, таажжубланди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Дарвоза очилмади, Ибодилла унинг ҳалқасини уриб, тақирлата бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *эск.* Доира шаклида ясалган, билак, бармоқ ёки қулоққа тақиладиган безак буюми. [*Кумуш*] *Кичкина олтин ҳалқани қутидан олиб, қулоғига тақди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Авазнинг ёдига.. бармоғига ҳалқа таққан олакўз кимсанинг суқ назар ила тикилиб тургани келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Чойхоначи чўчиб, ирғиб турди, билагидаги оқ ҳалқани ечиб узатди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Умуман, доира шаклидаги, доирасимон нарса. ..*пичоқ шириллаган сайин юпқа пиёз ҳалқалари олдидаги лаганчага тушиб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кел, истасанг, ой ҳалқасини қулоғингга тақай, дилбарим..* Э. Воҳидов. *Ноиб қамчи*

ҳалқасини билагига узатаркан, Аваз ҳалиги йигитга қараб қўйди. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 *кўчма* Қуршов, қуршов доираси. *Душман ҳалқани ёриб чиқиб кетишга жон-жаҳди билан уринарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Қорақулов автоматчиларнинг кичик гуруҳи билан қуршов ҳалқасидан ўтиб, батальонга борди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

5 Занжир ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ўзаро боғланган, уларни ташкил этувчи ҳар бир қисми. *Занжир ҳалқаси. Кишан ҳалқаси.*

6 *кўчма* Ўзаро боғланган, боғланадиган нарсаларнинг ўзаро боғланувчи, боғланиш учун хизмат қилувчи ҳар бир қисми. *Фарзанд — бу келажак, фарзанд — ўтган аждодларни келажак авлодлар билан абадий боғлайдиган олтин ҳалқа.* К. Яшин, Ҳамза. *У терговни ўзи олиб борган бўлса ҳам, айбномани бошқанинг оғзидан эшитганда, жиноятлар ҳалқаси кўзига яна ҳам мудҳишроқ кўринди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

7 *кўчма* Маълум кишилар тўдаси; давра, жамоа. *-Қаландарлар ҳалқасига қабул қилинган соатдан бошлаб, ҳушимни йўқотган эдим, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

Ёш ҳалқаси (*ёки* **ҳалқа ёш**) Кўз ғуласи (соққаси)да тўпланган ёш; шундай ёш шакли. *Нодирнинг кўзларида ёш ҳалқаси сузарди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *У киши.. кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш, жимгина келиб, пешонамдан ўпдилар.* О. Ёқубов, Излайман.

ҲАЛҚАЛАМОҚ 1 Ҳалқа ўрнатмоқ, ҳалқа солмоқ. *Дарвозани ҳалқаламоқ. Қуш оёқларини ҳалқаламоқ.*

2 *кўчма* Ҳалқа шаклига келтирмоқ. *Арқонни ҳалқаламоқ.*

3 *кўчма* Қуршов, ҳалқага олмоқ, қуршаб олмоқ. *Фриц ҳалқалаб қисди-ю, аммо эплолмади, бир илож қилиб, қуршовдан қутулиб чиқдик.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 *айн.* **ҳалқаланмоқ 4.** *..Ҳалима опа.. кўзларида ёш ҳалқалагандай туюлди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

ҲАЛҚАЛАНМОҚ 1 Ҳалқаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Қушлар тажриба учун ҳалқаланади.* ▬ *Ҳалқаланар трубкада тутунлар..* М. Шайхзода.

2 Ҳалқа шаклини олмоқ. *..кулдоннинг четидаги сигаретадан ҳалқаланиб тутун чиқарди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

3 Пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, келмоқ, тўпланмоқ (кўз ёши ҳақида). *-Парпивойнинг қизи, илойим айтганинг келсин, кам бўлма, — отанинг кўзларида ёш ҳалқаланди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

ҲАЛҚАЛИ Ҳалқаси бор. *..дарвозаси нақшдор қилиб ишланган бўлиб, мисдан қилинган ҳалқали дасталари бўларди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ҲАЛҚУМ [*а.* حلقوم — томоқ, бўғиз] **1** *анат.* Оғиз бўшлиғини қизилўнгач билан туташтирадиган ҳазм йўлининг бошланғич, олдинги қисми; ютқун. *Мастонбиби ҳўплаган чойни ҳалқумидан ўтказолмади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Гоҳ Эргаш, гоҳ Одил ҳалқумигача сувга ётиб, қўл сиғадиган ҳар бир тешикни тинтишади.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Ғазабидан ҳалқумига келиб тиқилган тупугини зўрға-зўрға ютди-да, яна қадамига қамчи босди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 *кўчма* Отадиган қуролнинг ичи, оғзи; оғиз. *Қайси бир она фарзанди кўксини замбаракнинг оловли ҳалқумига тутиб беради?* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

Жони ҳалқумига келмоқ *қ.* **жон 1**.

ҲАМ I [*ф.* هم — шунингдек, ҳамда; яна, шу билан бирга] **1** *боғл.* Тенг қийматли гап бўлаклари ёки содда гапларни, шунингдек, тўлиқсиз гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади. *Битибдур беш равот ҳам учта ҳаммом.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ўзи чўлоқ-ку, лекин шамолдай тез учади, ҳам ўзи дилкаш йигит. Ишни пухта қилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзи одамлар билан гаплашиб ўтиргандай кўринса ҳам, фикри-ёди блокнотда экани.. кўриниб турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *юкл.* Таъкид, кучайтириш билдиради. *Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Шу ҳам иш бўлдими? Бу ботинка оёғимга сира ҳам сиғмайди. У опасига ҳеч ҳам ўхшамайди.* ▬ *У туфлисини ҳам ечмай, наматга оёқ қўйди.* Газетадан. *Ниҳоят, улар ҳам чарчади шекилли, вагонга сукунат чўкди.* Газетадан.

ҲАМ- II**:** қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, муайян иш-фаолият ва ш.к. да «бирга бўлувчи», «бирга бажарувчи»,

«тенг, бир хил» деган маъноларни билдиради: *ҳамдард, ҳамфикр, ҳамшаҳар, ҳамтовоқ* ва б.

ҲАМ III**: ҳам қилмоқ** *бол.* Емоқ, ошамоқ.

ҲАМА [*ф.* همه — ҳамма, барча, бутун; ҳар бир] *эск. кт. айн.* **ҳамма.** *Ҳама обод бўлди-ю, бўлмадим обод дастингдан.* Машраб.

ҲАМАВАҚТ [ҳамма + вақт] Ҳар доим, ҳамиша, доимо. [*Мастура:*] *Сизники ҳамавақт.. барака топ, оч бўридек тикка ташлайсиз.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҲАМАЛ [*а.* حمل — қўй; қўзичоқ] **1** (Ҳ — *катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири: Ҳут ва Савр буржлари орасида жойлашган (*қ.* **бурж**). *Баҳор кирди. Деҳқон ҳисоби билан ҳут чиқиб, ҳамал кирди.* Газетадан.

2 Шамсия йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи: 22 мартдан 21 апрелгача бўлган вақтни ўз ичига олади. *Ҳамал кирди — амал кирди.* Мақол. ▬ *Шериклари билан ҳамал ойининг бошларида — мартнинг охирида туркман саҳросига жўнади.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҲАМАСР [ҳам + аср] Бир асрда яшовчи ёки яшаган; асрдош. *Ажойиб ижод аҳлининг кашфиётларига ҳамасрмиз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲАМБЎЙИНСА *шв.* Тенгдош, тенгқур. *Келавер бизникига, ҳамбўйинсанг Бўзтой билан ўйнайсан.* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ҲАМГАП [ҳам + гап] *кам қўлл.* Ҳамсуҳбат. *Мен илгари бу юртларни келиб кўрганим йўқ, бу элларнинг ҳеч қайсиси билан таниш, ҳамгап бўлганим йўқ.* «Ёдгор».

ҲАМД [*а.* حمد — мақтов, мадҳ, улуғлаш; шукур, ташаккур] *дин.* Худо, пайғамбар ва халифалар, шоҳлар шаънига айтиладиган мақтов, шеър, мадҳия. *Мусулмон ўлкаларида асарни ҳамд, муножот.. каби худо, пайғамбар ва халифаларга бағишланган анъанавий муқаддима билан бошлаш одат эди.* «ЎТА».

ҲАМДА *боғл.* Гапда тенг қийматли икки гап бўлагини ёки икки содда гапни бирбирига боғлайди. *Мен фарзандларим ҳамда шогирдларимдан ҳақиқий инсон бўлишни.. талаб қилиб келдим.* Газетадан.

ҲАМДАМ [*ф.* همدم — самимий, яқин ўртоқ, дўст] **1** Бирор кимса билан кўпинча бирга бўлувчи шахс ёки нарса. *Қаламкашлик бурчин оқлаб қаламинг, Бўлди доим ҳамнафасинг, ҳамдаминг.* Ҳабибий. *Аё, менинг ош-нонимни еганлар, Суҳбат қуриб, менга ҳамдам бўлганлар.* «Ширин билан Шакар».

2 Ҳамдам (эркаклар исми).

ҲАМДАМЛАШМОҚ 1 Иш-фаолият, суҳбат ва ш.к. да бирга бўлмоқ; биргалашмоқ. *Шундай экан, ҳаммаҳаллалар ҳамдамлашамиз, деса, сиз ранжишингиз, хижолат тортишингиз ноўрин..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. -*Ғойибжон мен билан очилиб ҳамдамлашмоқчи эканини пайқаб, болани каравотига ётқиздим.. — деди Қумри.* М. Жўра, Изтироб. *Равшан Мусаев ёз кунлари келган-кетганлар билан худди шу шийпонда ҳамдамлашади.* «Муштум».

2 Ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ. *Оч-ориқнинг ҳолин кўриб, раҳм этиб, Камбағалга, муҳтожга ҳамдамлашди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ҲАМДАРД [ҳам + дард] **1** Кимсанинг ғам-қайғусини бирга кечирувчи, дардининг тарқалишига кўмаклашувчи; дардкаш, қайғудош. *Қани энди, унинг оҳу зорига қулоқ соладиган бирон ҳамдард бўлса-ю.. бутун алам ва ҳасратларини айтиб, юрагини бир оз бўлса ҳам бўшатса!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шунақа кунларда далда берадиган дўст, ҳасратини эшитиб, кўнглини кўтарадиган ҳамдард ҳам зарур эди Аҳмадга.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Синф раҳбари ўқувчининг энг яқин сирдоши ва ҳамдарди, маслаҳатгўйи бўлмоғи лозим.* Р. Усмонов, Одобнома.

2 Кимсанинг жисмоний дардини, оғриғини енгиллаштириш учун унга ёрдам берувчи, кўмакчи. *Санитарлик, ёвуз душман билан урушда ярадор бўлиб чиққан жангчиларга ҳамдард бўлиш — шарафли иш.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Дардмандларга ҳамдард бўлгин, Йиқилганга қўл узат.* Э. Раҳим.

ҲАМДАРДЛАШМОҚ *кам қўлл. айн.* **дардлашмоқ**. *..хат ёзди, ёзганда ҳам очиқ, юрак сирларини баён қилди, гўё у отаси билан ҳамдардлашарди.* Газетадан.

ҲАМДАРДЛИК Кимсанинг ғам-қайғуси, дардига шериклик, биргалик ҳис-туйғуси, шундай ҳис-туйғули ҳолат. *Хонзода бегим унинг муҳаббат дардини билади. Биладигина эмас, балки ўз қалбида унга ҳамдардлик ҳам сезади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Ҳамдардлик билдирмоқ (*ёки* **изҳор қилмоқ**) 1) яхши гаплар билан кимсанинг дардини, хафалигини ёзишга, унга тасалли беришга уринмоқ, таскин бермоқ. *Фарҳод ачингандай Дурдига ҳамдардлик изҳор қилмоқчи бўлиб, унга яқинроқ сурилади.* А. Ҳакимов, Илон изидан; 2) кўнгил кўтариш учун, яқин кимсаси ўлган кишининг қайғусига шерик эканлигини билдирмоқ. *Умурзоқ отанинг вафоти муносабати билан институт коллективи ўз ходимига ҳамдардлик билдирди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҲАМДАСТ [*ф.* همدست – қўли бир: бирга қатнашувчи, шерик] *кам қўлл. кт.* Кимсага кўмак берувчи киши; шерик; кўмакдош, қўлдош. *Биз ҳамкор ва ҳамдаст бўлиб туриб, тинчлигимизни бузадиган, текинхўрлик билан яшайдиган юраги қинғирларга қарши шафқатсиз курашамиз.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа.

ҲАМДИЛ Мақсади, фикри бир; фикрдош, ҳаммаслак; аҳил, дўст. *Мамлакатимиз поёнсиз, давлатимиз улуғ, халқларимиз ҳамдил, ҳамжиҳат!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҲАМДУНА [*а.* حمدونه – маймун] *айн.* **маймун йили** *қ.* **маймун 3**. *Бекка худо умр берса, бу йил ҳамдуна бўлса, тўппа-тўғри йигирма тўрт ёшга қадам қўядилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАМДЎСТ [ҳам + дўст] Бир-бирига кўмаклашувчи, ўзаро дўст. *Ҳамдўст мамлакатлар.*

ҲАМДЎСТЛИК 1 Ўзаро ҳамдўст ҳолат. *Ҳамдўстлик, ҳамкорлик яхши кунларимизда ҳам, ёмон кунларимизда ҳам бизга доим асқатиб келган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Иттифоқ, уюшма. *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ).*

ҲАМЁЗА [*ф.* خميازه – бир оз тортиш; эснаш, эсноқ]: **ҳамёза тортмоқ** *айн.* **эснамоқ.** *Мавлоно Шаҳобиддин бу сўзлардан зериккандек, оғзини катта очиб ҳамёза тортди.* Ойбек, Навоий. *Лаб эмас, ҳамёза тортган туядай, Гўр каби оғизда тишлари кемшик.* Ғ. Ғулом.

ҲАМЁН [*ф.* هميان – пул солинадиган халтача; пул қопчиғи] **1** Асосан пул солиб, ёнда, чўнтакда олиб юриладиган халтача; кармон. *Меъмор қўйнидан ҳамёнини олиб, эллик динор санаб берди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Сатторов чўнтагидан ҳамён чиқарди. Кўк эллик сўмликларни кўриб, холанинг кўзлари ўйнади.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *Подшоҳ бир ҳамён тилла бериб, шаҳзодани йўлга солибди.* «Эртаклар».

2 *кўчма с.т.* Чўнтак (пул солинадиган жой маъносида). *Ўғрининг катта-кичиги бўлмайди. Ҳамёндан ўмаргани бир сўмми, юз сўмми, бари бир – киссавур.* Газетадан.

Ҳамён қуруқ Пул йўқ. *Пулдорлар, албатта, нозу неъмат ичида, аммо ҳамёни қуруқлар-чи?* «Муштум».

3 *кўчма* Кимса ихтиёридаги, унга тегишли пул, маблағ. *Ҳисобини билмаган – ҳамёнидан айрилади.* Мақол. ■ *Олий ўқув юртларида эса ота-онанинг мансабига, ҳамёнига қараб ўқишга қабул қилиш ҳоллари илдиз отиб кетган эди.* «Муштум». *Пошша хола жонини суғургандай, ҳамёнидан пул сарфлаб, катта тўй қилиб берди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

Ҳамён касал Пул йўқ, пул, маблағнинг мазаси йўқ. *Бухорода ўқимоқ учун ҳамёним касал эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҲАМЁСТИҚ *кам қўлл. айн.* **ёстиқдош**.

ҲАМЁТОҚ *айн.* **ётоқдош**. *Саидий буни ўзининг ҳамётоқларига айтиб берди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАМЖИНС [ҳам + жинс] **1** Бир жинсга (эркак ёки аёллар жинсига) оид; жинсдош.

2 Келиб чиқиши бир хил, бир турга оид нарсалар ҳақида. *Олмурут ҳам нокларга ҳамжинсдир.*

3 *кўчма* Бир тоифа, турга оид. *Эркак одам бундай пайтларда ўз ҳамжинсларига интилиб, улардан тасалли топгиси келар экан.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ҲАМЖИҲАТ [ҳам + жиҳат] Иш-фаолият, интилиш ва ш.к. да бирликда бўлган, бир-биридан ажралмас; аҳил. *Бобур мирзонинг орзулари шулким, Мовароуннаҳр яна Улуғбек давридаги каби бирлашса, пойтахт аслига қайтса, ҳамма вилоятлар ҳамжиҳату обод бўлса..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҲАМЖИҲАТЛИК Ҳамжиҳат бўлиш, ҳамжиҳат ҳолат. *Соли отанинг.. уйида энди тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурарди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. *Бахтлимиз – меҳнатда, тотувликда, ҳамжиҳатликда..* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҲАМЗА [*а.* همزه – нина санчиш; сатр усти белгиси] **1** Араб алифбосида бўғиз тову-

шини ифодаловчи, ҳарфнинг устига қўйиладиган белги (ء) нинг номи.

2 Ҳамза (эркаклар исми).

ҲАМИН [*ф.* همين – айни ўша, айни шу; фақат, ёлғиз]: **ҳамин қадар** 1) жуда кўп, ҳисобсиз. *Чорва ҳам, ўзингиз биласиз, ҳамин қадар. Кассада бўлса ҳемири йўқ.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари; 2) шунга яраша, шунга лойиқ; шунча. *-Бухоройи азимга келиб, муллавачча ҳам бўливолдик. Тўн тўпиққача, салла ҳамин қадар, – деди Мамаражаб.* С. Сиёев. Қиз боланинг панди; 3) унчалик, у қадар эмас. *Аммо ҳозир қишлоқ жойларида ҳам қўни-қўшничилик, ҳамсоячилик ҳамин қадар.* Газетадан.

ҲАМИША [*ф.* هميشه – доимо, ҳамма вақт] Ҳамма вақт, доимо. *Нон ҳақида гап борганда, ҳамиша кўз ўнгимда ёшлигимда эшитган бир воқеа гавдаланади.* Газетадан. *Синглиси бўлса, биров билан бетма-бет келиб сўзлашганида ҳам, кўзини ҳамиша бир нуқтадан узмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАМИШАБАҲОР [ҳамиша + баҳор] *айн.* **гулҳамишабаҳор**. *Боғбон меҳмонни кечки пайт бўшатди ва ўшанда ҳам «аттанг, фурсатларинг бўлганда, ҳамишабаҳорни кўрсатар эдим», деб қолди.* А. Қаҳҳор, Картина.

ҲАМИШАГИ Ҳамиша бўлиб келаётган, ҳар доимги; одатдаги.

ҲАМИШАГИДАЙ Ҳар доимгидай; одатдагидай. *Хамбер Фарҳод билан ҳамишагидай форс тилида гаплашиб кетди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ҲАМИШАЛИК *айн.* **ҳамишаги**. *Бу одат тўйга борган хўжаларнинг ҳамишалик одатлари бўлганидан, сайислар бу ишни ҳар вақт шундай бажарар эканлар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҲАМИЯТ [*а.* حميّت – жаҳли тезлик; жиззакилик; ғайрат, қунт; манманлик, такаббурлик; мағрурлик] **1** Ор-номусини, қадр-қимматини пок сақлаш туйғуси; орият. *Тамагирлик – инсон ҳамиятини ерга уради.* Газетадан. *[Шарофат] Ўртага тушмоқчи бўлган кимнидир юлади; ҳамма эркакларни ҳамиятсиз, ҳамма хотинларни бузуқ, дейди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ҳамиятига тегмоқ Ҳамиятсизликда айблаб, виждонан азобламоқ. *Унинг охирги гапи Мансурнинг ҳамиятига тегди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Инсонийлик ҳис-туйғуси; шундай ҳис-туйғули муносабат. *..камтарин бир кексадаки шунча ҳиммат ва ҳамият бўлса.. иш барор топмаслиги ҳам мумкинми!?* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *..сизнинг хизматларингизни, ҳамиятингизни ҳеч вақт унутмайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Замондан замон ўтиб, уларнинг [одамларнинг] дилида яхшилик, мурувват, ҳамият, инсофу адолат чироғи ёнармикан..* С. Сиёев, Аваз.

ҲАМИЯТЛИ Ҳамияти бор, ҳамият билан иш тутадиган, муносабатда бўладиган. *-Гапингизга қараганда, ҳамиятли, ҳимоятли, беш вақт намозни канда қилмайдиган мусулмон бир косибнинг қизи экансиз, – деди Ойша яллачи Латифахонга.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Полвоннинг эса ўз божасидан умиди узилган, ёлғиз шу дилкаш, ҳамиятли чолга ялиниб-ёлворишдан бўлак иложи қолмаганди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Душманларга берилмаган парча ер. Ориятли, ҳамиятли ботир эр.* Ҳабибий.

ҲАМИЯТСИЗ Ҳамияти йўқ, ҳамияти бўлмаган. *Биз каби йўқдир беор, ҳамиятсиз бебошлар..* Ҳамза.

ҲАМКАСАБА *айн.* **ҳамкасб**. *[Халфа] Ўзи мустақил бўлиб иш бошлашдан аввал оқсоқол бошлиқ барча ҳамкасабаларига зиёфат берар.. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Меъмор бу сўзларни ҳамкасабалари, шогирдлари ичида эмас, мансабдорлар олдида ҳам тажанг бўлиб айтган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАМКАСБ [ҳам + касб] Касби бир, ишлаб чиқаришнинг бир тармоғида, соҳасида ишлайдиган; касбдош. *Унинг ҳамма юксак нарсалардан иллат қидириши, обрўси ортган ҳар бир ҳамкасбига танқид кўзи билан қараши шундан эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Аҳмад ака ички бир табассум билан ҳамкасбларини тинглар, ҳали янги ходим бўлгани учун, гапга аралашишни ўзига эп кўрмай, жимгина ўтирарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҲАМКОР [*ф.* همكار – бирга ишловчи, ҳамкасаба] **1** Бирор иш-юмушни бирга бажарувчи, бирга амалга оширувчи. *Орада бир ҳафта ўтгандан сўнг ҳамкори Барат бу мақолага қарши узун бир мақола ёзиб берганида, Саидий ўқиб кулди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шу пайт у Маҳкамга машҳур олим бўлиб эмас.. ўртадаги оғир юкни бирга кў-*

тараётган ҳамкор бўлиб кўринди. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Иш-фаолиятда ўзаро кўмакдош; ўзаро ёрдам, бамаслаҳатлик билан ишловчи. *Ҳамкор корхоналар.* ▬ *-Бир солдат иккинчи солдат билан ҳамкор бўлиши керак, — деди командир.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ҲАМКОРЛИК 1 Иш-фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айни бир ишда биргалашиш, уни тенг бажариш (*қ.* **ҳамкор 1**). *Автоматчилар танкчилар билан ҳамкорликда ҳужумни давом эттириб, душман мудофаасини ёриб ўтишди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Марҳум устозим Зиё Саид билан ҳамкорликда «Тарих тилга кирди» китобини ёздик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бирор соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда, ҳамкор бўлиб иш олиб бориш. *Иқтисодий ҳамкорлик.* ▬ *«Тоҳир ва Зуҳра» фильми тугар-тугамас, Наби Ғаниев кинорежиссёр Комил Ёрматов ҳамкорлигида «Насриддиннинг саргузаштлари» кинокомедияси устида иш бошлади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *Биз физиология мутахассислари билан ҳамкорликда ядро нурланишларининг уруғлик чигитга таъсирини ўргандик.* «Фан ва турмуш». *Аҳдлашувчи томонлар радиоэшиттириш ва кинематография соҳасида ҳамкорликни кучайтирадилар.* Газетадан.

ҲАМКУРС [ҳам + курс] Бир курсда бирга ўқувчи; курсдош. *Бир вақтлар ҳамкурслари билан мана шу япроқлар шивирига қулоқ солиб туриб, қайси дарахтлигини аниқлашарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ҳакимжон у билан ҳамкурс, келишган.. йигит эди.* С. Аҳмад, Зумрад.

ҲАМЛ [*а.* حمل — кўтариш, кўтариб туриш; ташиш; ҳомиладорлик] *эск.* Қоринда бола бўлиш ҳолати. *Ҳамл вақти (с.т.).*

ҲАМЛА [*а.* حمله — интилиш; ҳужум, отилиш, ташланиш] **1** Кимса ёки нарса устига ташланиш. *У бир ҳамла билан Султоннинг ёқасидан ушлаб, ўзига тортди.* О. Ёқубов, Ларза. *Тажанг бўлса, қоплон ҳамласи билан Писмиқ гирибонига чанг солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Жанг, кураш ва ш.к. да куч билан олға ташланиш; ҳужум. *Разведка маълумотига қараганда, бу тепаликни бир ҳамла билан қўлга олиш мумкин эмас эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бизнинг ҳокимларимиз бир-бири билан иноқ бўлмагани, бирлаша олмагани сабабли, катта кучга эга бўлган истилочининг ҳамласига дош бера олмадик.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *айн.* **ҳужум.** *Унинг дастурхондан ҳамон кўз узмай, жим ўтирганини кўриб, очиқ ҳамлага ўтди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Ҳамла қилмоқ Ташланмоқ, ҳужум қилмоқ. *Ёқутойим эрига қутуриб ҳамла қилди, юзига чанг солди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Навқирон йигитнинг чарчаганини сезган Темур Малик устма-уст ҳамла қилиб, йигитни орқага тисарилтира бошлади.* «Саодат». *Очиқ қолган марказдан Бобур аскарларининг бир қисми аланга тилидай отилиб чиқди-ю, Шайбонийхон турган тепаликка ҳамла қилиб кела бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҲАММА [*ф.* همه — барча, жами, бутун] *олм.* Шахс, нарса, унинг белгиси, сони ва б. хусусиятларини жамлаб ёки ажратиб кўрсатади, шу тарзда белгилайди. *Бу гап ҳаммага аён. Ҳамма жим бўлди. Ҳамма ёқда баҳор. Ҳамма нарса тайёр. Ҳамма етиб келди. Ҳаммадан ёш.* ▬ *Севинч, қўрқув, бахиллик — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, Жонфиғоннинг боши ғовлаб кетди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Ҳамма нарсанинг қадрини ўзи йўқолгандан кейин биламиз.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ҲАММАБОП [ҳамма + боп] Ҳамманинг дидига мос келадиган, маъқул бўладиган; оммабоп. *Ҳаммабоп китоб. Ҳаммабоп фильм. Ҳаммабоп одам.*

ҲАММАКТАБ [ҳам + мактаб] Бир мактабда бирга ўқувчи; мактабдош. *Икковларинг ёшликда ҳаммактаб эканликларингни билар эдим.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАММАСЛАК [ҳам +маслак] Маслаги бир хил бўлган, бир маслакдаги киши; маслакдош. *Бу ерда фаол ҳаммаслаклар йиғилган экан, ўз олдимизга муҳим вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.* Газетадан. *..ўз қора ниятини амалга ошириш учун шошилди, ҳаммаслакларига мурожаат қилди.* Н. Сафаров, Наврўз.

ҲАММАҲАЛЛА [ҳам + маҳалла] Бир маҳаллада турувчи, бир маҳаллалик киши. *Кунлардан бир кун Юсуфжоннинг ҳаммаҳалласи — Қорабойнинг отаси Ҳасанбой ўлиб қолди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Юраги тўлиб кетган пайтларда ҳаммаҳалласи Зубайдахонникига чиқади.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАММИЛЛАТ [ҳам + миллат] Бир миллатга мансуб, миллати бир; миллатдош. *Бергер, одатига хилоф равишда, ҳаммиллатига қандайдир хушчақчақ савол берди.* А. Мухтор, Чинор.

ҲАММОЛ [*а.* حمّال – юк ташувчи, ортувчи] Юк кўтарувчи, юк ташувчи ишчи; юкчи. *Хўп, Заргаров амалдор эмас, елкасига арқон ташлаб, бозорда юрган ҳаммол бўлса, тегармидингиз!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Шундай қилиб, Йўлчи ҳаммол бўлди.. шаҳарнинг турли томонларига.. юк ташиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўчада одам кўп эди. Сават кўтарган нонвойлар, қоп орқалаб келаётган ҳаммоллар..* С. Сиёев, Аваз.

ҲАММОЛЛИК Ҳаммол иши, юк ташувчилик. *Мардикорлик, ҳаммоллик, қоровуллик, хизматкорлик.. ҳаммаси қўлимдан келади.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафаси. *Қўлимда ҳунарим бўлмаса, ҳаммолликдан бошқага ярамасам..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Айниқса, ўзга шаҳарларда мардикорлик, ҳаммоллик қилиб юрган миллатдошларимиз аҳволи ғоят ачинарли.* Газетадан.

ҲАММОЛЧИЛИК *с.т.* Ҳаммоллик. *Шакаржон ака кечаю кундуз ишлаб, тандир ясар, баъзан ҳаммолчилик ҳам қиларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҲАММОМ [*а.* حمّام – чўмилиш жойи, ванна] Чўмилиш, ювиниш учун иссиқ ва совуқ сувлари, бир неча иссиқ ва совуқ хоналари бўлган махсус бино. *Ҳаммомга тушмоқ.* ■ [*Жалолиддин*:] *Битибдур беш равот ҳам учта ҳаммом. Бир-икки ердаги ишлар чала, хом.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бўстон саройининг бир четида.. мармар ҳовузли ҳаммом бор эди. Кечки пайт шу ҳаммомга Султон Али мирзонинг ҳарамидаги чиройли қизлар чўмилишга келдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Эски тос, эски ҳаммом *қ.* **эски.**

ҲАММОМЧИ Ҳаммомда келди-кетдини бошқариб турувчи хизматчи. *Афанди бир куни ҳаммомга тушган эди, ҳаммомчи уни назарга илмай, эски тос, йиртиқ лунги берди.* «Латифалар». *Ҳаммом ёпиқлигини кўрган кишилар «ҳаммомчи касал экан, у ёнилғига кетганмиш», деган миш-мишларнинг гувоҳи бўлишди.* «Муштум».

ҲАММУАЛЛИФ [ҳам + муаллиф] Адабиёт, илм-фан ёки санъат асарларига, бирор кашфиётга тенг даражада ҳуқуқи бўлган шахсларнинг ҳар бири (бир-бирига нисбатан).

ҲАММУАЛЛИФЛИК Бирон-бир адабий, илмий, санъатга оид асар ёки кашфиётга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг икки ёки ундан ортиқ шахсга баравар алоқадорлиги.

ҲАМНАФАС [ҳам + нафас] Иш-фаолиятда, ҳаётда доим биргаликда бўлувчи, «бир хил нафас олувчи». *Ўзим кўрдим, турли миллат кишилари билан ҳамнафас, ҳамтовоқ, ҳамдард, қуролдош бўлдим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Замон билан ҳамнафас бўлган санъаткоргина ўз замондошларининг образларини ярата олади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Малъун бўлиб яшашни афзал кўрганлар Бўлолмас одамзод билан ҳамнафас.* Ғ. Ғулом.

ҲАМНАФАСЛИК Ҳамнафас бўлиш, ҳамнафасга хос муносабат. *Ижодкорнинг халқ ҳаёти билан ҳамнафаслиги – рассом иқтидорининг муҳим томонларидан.* Газетадан. *Турли халқларнинг ўзаро яқинлашувида, инсониятнинг маънавий ҳамкорлиги ва ҳамнафаслигида бадиий таржиманинг роли беқиёсдир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ҲАМНИШИН [*ф.* همنشين – бирга ўтирувчи] *кт.* Ўзаро суҳбат, ўтириш, улфатчилик кабиларда бирга бўлувчи шахс. *Ахир тирик жонга.. ҳамдаму ҳамнишин элу юрт керак.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Муҳаммад Шариф, энди қўрада ҳамнишин йўқ, ёлғиз ўзи яшайди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ҲАМОВОЗ [ҳам + овоз] **1** Бошқалар билан бир хил айтиладиган ёки бир хил эшитиладиган.

2 *кўчма* Бирор иш, мақсад бўйича айтадиган гап-сўзи, фикри, «овози» бир; тилакдош. *Эл сўзи билан сўзим ҳамовоз, Ёр меҳри эди кўнгилга пардоз.* С. Абдулла.

ҲАМОЙИЛ [*а.* حمايل – тасма, қайиш; камарбоғ] Елкадан белга тушадиган камар, тасма, боғич. *Устига хилъати заррин, совутлар кийган, белида қилич, ҳамойил, сурати подшога ўхшайди.* «Бўтакўз». *Туморчалар, ҳамойиллар тақмасдан, Гўзал қизлар, ёш келинлар меҳнатда.* Ғайратий.

ҲАМОН [*ф.* همان – худди, айни ўзи] *рвш.* **1** Шу дамгача, ҳозиргача, ҳали ҳам. *Сенинг гапинг ҳамон қулоғимда. Ҳамон ишлаяпти. Ҳамон сўзлаяпти.* ■ *Довул ҳамон қутурмоқда.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Орадан*

қанча йиллар ўтса ҳамки, ҳамон мана шу ҳикоя менга тинчлик бермайди. Газетадан.

2 *кўм. взф.* Пайт муносабатини билдиради; ўша (шу) ондаёқ, билан(оқ). *Улар жардан чиққан ҳамон одам овозини эшитдилар.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. [*Гулнор*] *Йўлчи тўғрисида Нурининг сўзларини эшитган ҳамон, олам унинг кўзига қоронғиланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..ёнбош қўйгани ҳамон кўзи юмилиб, уйқу босарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҲАМОНО [*ф.* همانا – айнан, ҳақиқатан, шубҳасиз; модомики, қачонки] *айн.* **ҳамон 2**. *Йигитали поезддан тушган ҳамоно унинг кўнгли хиралашиб, кеча ва аввалги кунлардаги бу томонга интилишдан заррача нишон қолмаганди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Қори билан хайрлашиб, ичкари ҳовлига кириши ҳамоно, орқада шатиллаб келаётган киши қадамини сезди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҲАМОҚАТ [*а.* حماقت – аҳмоқлик, тентаклик; жаҳл, ғазаб] *кт.* Аҳмоқлик, тентаклик, ақлсизлик. *-Бу сиёсат эмас, ҳамоқатдир, – деди Мажиддин.* Ойбек, Навоий.

ҲАМОҲАНГ [*а.* همآهنگ – бир хил оҳангдаги] **1** Оҳангдош, бир хил оҳангли. *Соҳилларда най чалай, Куйла, ҳамоҳанг бўлай.* Миртемир. *Ҳамоҳанг жаранглар бирдай куйимиз, Узоқ-узоқларда яшаймиз гарчанд.* Зулфия.

2 *кўчма* Бир-бирига уйғун, монанд; мос, бир хил. *Буюк дўстлар ҳижронда ҳам фикрдош. Улуғ қалблар тепаётир ҳамоҳанг.* М. Шайхзода. *Қушлар товуши, сувлар шовқини қалбимизга ҳамоҳанг, яқин.* Уйғун. *Қия ўтирган Ҳаётнинг чекка томирлари лўқиллар, беқасам камзулига тиқилиб турган бўлиқ кўкраги нафасига ҳамоҳанг бўлиб, гоҳ кўтарилар, гоҳ тушар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бадиа қулочларини ёзиб, чирманда «гижбанг»ига ҳамоҳанг ўйинга тушиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАМПО (Й) [*ф.* همپای – бирга қадам ташловчи: ҳамроҳ, йўлдош] *кам қўлл.* Ишларида бирга бўлувчи, кўмаклашувчи. *Шакар, уйдан кўнгли тўлмаган бўлса ҳам, шундоқ кампир чекига тушганидан хурсанд. Ахир тайёр ҳампо.. бeминнатгина суянчиқ топаман, деб тушига кирибдими!* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ҲАМПОЛИК Ҳамкорлик, ишда, ҳаётда биргалик. *Қиздаги бундай табиатни Наби дўстлик, курсдошлик, ҳамрозу ҳамполик туйғуси деб тушунарди.* Н. Ёқубов, Жон.

ҲАМРАНГ [ҳам + ранг] *кт.* Бир рангдаги, ранги бир хил; ранги ўхшаш. *Туну кун Волгада Ҳеч тўхтамай жанг, Бўлиб дарёда сув Қон бирла ҳамранг.* Ҳабибий.

ҲАМРОЗ [*ф.* همراز – сирдош] Юракдаги гап-сирларини ўртоқлашадиган, уни бир-биридан яширмайдиган киши (бир-бирига нисбатан). *Ҳар бир кишининг ўз сирдоши, ҳамрози бўлади.* «Ёшлик». *150 нафар қария бир оила аъзоларидай иноқ, бир-бирларига ҳамдам, ҳамроз бўлиб яшайди бу боғда.* Э. Охунова, Чўққиларда қор. *Бир умр мен бирла қолгин, бу кўнгил ҳамрози бўл, Эй саҳар уфқи, унинг сен зарварақ қоғози бўл.* Э. Воҳидов.

ҲАМРОҲ [*ф.* همراه – йўли бир, бирга юрувчи; йўлдош] **1** Йўлда бирга борувчи; йўлдош. *Ҳамроҳ бўлмоқ.* ▬ *Ярим кеча вақтида шаҳарга киради, ёнидаги тетик ҳамроҳининг кўмагида бир чойхонага кириб олишга муваффақ бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *..меҳмонхонага қайтаётганимизда, ҳамроҳлардан бири: -Темир йўл билан шаҳар ўртасидаги яйдоқ майдон қани? – деб сўради.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Иш-фаолиятда, ҳаётда бирга бўлувчи шахс. *Ҳар куни кечга томон Собиржоннинг болаларидан биттаси Хайрибиби олдига келиб, ҳамроҳ бўлиб ётарди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

3 *кўчма* Бирга бўлувчи; бирга. *Ўшанда менга ўкинч доимий ҳамроҳ эди.* «Ёшлик». *Ойбек ўз қаҳрамонларини иложи борича яхшилик билан ҳамроҳ бўлишга, доимо эзгу ният билан яшашга даъват этади.* «ЎТА». *Ўлар вақтда ҳамроҳ бўлсин имоним.* «Муродхон».

ҲАМРОҲЛИК Ҳамроҳ ҳолат; йўлда, иш-фаолият ва ш.к. да биргалик. *Кечга яқин меъмор бир мударрис ва яна бир мансабдор ҳамроҳлигида.. Арк дарвозасидан обхоналар ёнидан ўтиб, юқорига кўтарилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАМСАФАР [ҳам + сафар] Сафарда бирга бўлувчи (бўлган) киши. *Мен юкларимни шошиб-пишиб, юмалоқ-ясси ўраб, ҳамсафарларим билан қўл бериб хайрлашдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ҳамсафар дўстларим катта ҳаёт йў-*

лини босиб ўтган ажойиб, дилкаш кишилар эди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ҲАМСИНФ [ҳам + синф] Бир синфда ўқувчи (ўқиган); синфдош. *Дорилфунундаги собиқ ҳамсинфларни хаёлдан кечирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАМСОЯ [*ф.* همسایه – соя остида бирга: қўшни] *шв.* Ёнма-ён ҳовлида яшовчи; қўшни. *Бир фақир бир бадавлат одамга ҳамсоя экан.* «Эртаклар». *Салом-аликдан сўнг, албатта, ҳамсоянгиз «хўш, хизмат?» деб сўраши тайин.* Газетадан. *Бизда йўғи – ҳамсояда, уларда йўғи бизда бор.* Газетадан.

ҲАМСОЯЧИЛИК *с.т.* Қўшничилик. *Аммо ҳозир қишлоқ жойларида ҳам қўни-қўшничилик, ҳамсоячилик ҳамин қадар.* Газетадан.

ҲАМСУҲБАТ [ҳам + суҳбат] *айн.* **суҳбатдош.** *У ёнидаги жавондан таклиф ва шикоятлар дафтарини олиб, ҳамсуҳбатининг олдига қўйди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҲАМТОВОҚ [ҳам + товоқ] **1** Бир товоқда (ёки бир дастурхонда) таом еювчи. *Овқат тайёр бўлганда, ҳамтовоқларингни чақир, улар сен билан бирга таом есинлар..* «Қобуснома».

2 *кўчма салб.* Иш-фаолиятда бирга бўлувчи, бир-бирини қўлловчи; шерик. *Менинг бой бўлишим мумкин эмас, аммо ҳамтовоғингиз Нажибийнинг бой бўлиши ҳеч гап эмас.* Б. Раҳмонов, Баҳор арафасида. *..матлубот жамиятининг собиқ раиси ва унинг ҳамтовоқлари қилмишларига яраша жазоландилар.* «Муштум».

ҲАМФИКР [ҳам + фикр] Фикри, тушунчаси, дунёқараши бир хил бўлган; фикрдош. *Санам.. гапнинг тарзидан онасининг кампир билан ҳамфикр эканини англаган эди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Мавлон ҳам Карим охунга ўхшаш хушчақчақ, ҳазилкаш эди. Улар ҳамфикр бўлиб қолишди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Турмуш ўртоғим билан ҳаммаслак, ҳамфикр эдик.* Газетадан.

ҲАМХОНА [ҳам + хона] **1** Бир хонада яшовчи, бирга турувчи. *Унинг одатдан ташқари шод эканини кўриб турган ҳамхоналари ҳазиломуз гап ташлашди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 *кўчма поэт.* Ғам, азоб каби кечинмаларга дучор, гирифтор. *Бир неча кунлардан бери Кўрмай висолинг, эй пари, Турли бало, минг ғам билан Ҳамхона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

ҲАМШАҲАР [ҳам + шаҳар] Бир шаҳарда туғилиб ўсган, бир шаҳарлик. *Ҳамшаҳар йигитлар.* ▬ *Бу сўлим масканларда шанба ва якшанба кунлари сайру саёҳат қилган ҳамшаҳарларимиз жуда кўнгилли дам олади, яхши ҳордиқ чиқаради.* Газетадан.

ҲАМШИРА [*ф.* همشیره – бирга сут эмишган: опа ёки сингил] **1** *шв.* Опа ёки сингил. *Тозагул ҳамшираларининг юракларидаги гапни топиб гапирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Шифохонада ишловчи, ўрта тиббиёт маълумотига эга бўлган ходим; тиббий ҳамшира. *Шерзод кўзини очиши билан навбатчи ҳамшира тумбочка устига қўйиб кетган дорига кўзи тушди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди.* И. Раҳим, Ихлос.

ҲАМШИРАЛИК Ҳамшира иши, касби. *Ватан, халқ қўлимга ҳамширалик гувоҳномасини тутқазди.* Газетадан. *Уларнинг кўмаги билан шу йили.. тиббиёт коллежининг ҳамширалик бўлимига ўқишга кирдим.* Газетадан.

ҲАМШИША [ҳам + шиша] *с.т.* Бирор кимса билан бирга ичкилик ичувчи, ичкиликбозликдаги улфат; шишадош. *Агар Эҳсон олдида, масалан, Муҳаммаджон домла билан ҳамшиша бўлганлари эсига тушса, отаси ўғриликда айбланган ёш боладай нам тортар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАМЮРТ Бир юртда туғилиб ўсган; юртдош. *Ҳамюртларимиз – ўзбек сейсмологларининг ҳам қўлга киритган ютуқлари диққатга сазовордир.* Газетадан.

ҲАМҚИШЛОҚ Бир қишлоқда туғилиб ўсган киши, бир қишлоқлик. *Қумри – Сарагулнинг ҳамқишлоғи, жуда яқин дугонаси, етим қиз эди.* А. Мухтор, Чинор. *-Эй, сен шуни бир ёзсанг экан, – деди ҳамқишлоқларим афсус оҳангида.* Газетадан.

ҲАМҚУР *айн.* **тенгқур**. *Йўлчи ўз ҳамқурлари билан бирга тонг шабадасида ишга тушар, қуёш тик келганда овқатланиб, то қоронғилик тушгунча яна меҳнат қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАМҲУЖРА [ҳам + ҳужра] Бир ҳужрада яшовчи киши. *Саидий қайтиб келганида,*

ҳамҳужраси Эҳсон тор ва дам уйда иштончан, димиқиб ўлтириб, мутолаа қилар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲАНГАМА *қ.* **ҳангома.**

ҲАНГИ 1 Ҳадеб ҳанграйверадиган (эшак ҳақида). *Эшакнинг ёмони — ҳанги, одамнинг ёмони — банги.* Мақол. ▬ *Бир танишим ҳангисига тўқим қидириб юрган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Эркак эшак. *Қирга ўрлаб бораётган ҳанги чарчаб, тўхтаб қолди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

3 Бақироқ, шанғи.

ҲАНГ-МАНГ Гангиб, эс-ҳуши қочган ҳолатли; ҳайратга тушган. *Абдуллажон ҳанг-манг, оқариб-бўзариб туриб қолди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Улар ёнғин атрофида ҳамон чинқириб, дод солиб юрган Лаълини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдилар.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲАНГ-МАНГЛИК Эс-ҳушини йўқотиб гангиб қолиш; ҳанг-манг ҳолат. *-Бургут, — деди Мансур бир дамлик ҳанг-мангликдан кейин.* Ё. Шукуров, Уч савол.

ҲАНГОМ [*ф.* هنگام — вақт, давр; юриш, силжиш] *махс.* Тўқув дастгоҳида: танданинг моки ўтадиган оралиғи.

ҲАНГОМА [*ф.* هنگامه — оломон, йиғин; гурунглашиш, хушчақчақ суҳбат] **1** Бир неча киши ўртасида кўтаринки руҳдаги, ширин, хушчақчақ суҳбат. *Ҳангома қилмоқ.* ▬ *Яшил уватларда завқли қўшиқлар, Шавқли ҳангомалар бўлар кўп шинам.* Ғ. Ғулом. *Қуюқ зиёфат, ўйин-кулги, ҳангома ярим кечагача давом этди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Содда ва самимий ҳангома билан чой ичилар экан, дарахтлар орқасидан ҳўнграб йиғлаган товуш эшитилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ҳангома қилмоқ *айн.* **ҳангомалашмоқ**. *У-бу тўғрисида бирпас ҳангома қилиб Ўсаржон жўнаркан, Дадамат уни пешинда бедана паловга таклиф этди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *..Иложи бўлса, ишни қўйиб, ҳангома қилгимиз келади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Қизиқарли, кишини ҳайратга соладиган воқеа. *Қизиқ ҳангомалар айтиб, кўнглини хуш қиладиган кишилар бор эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шундай қилиб, ёр-биродар, трамвайлар ҳангомаси ҳозирча тура турсин, энди гапни биринчи автобазадан эшитинг.* «Муштум». *Эналаринг кўчада туққанми, бу нима ҳангома!* Ойбек, Танланган асарлар. *Шаҳар саноат корхоналарини газлаштиришдаги ҳангомаларни гапириб, таъбни хуфтон қилмай қўя қолайлик.* «Муштум».

ҲАНГОМАЛАШМОҚ У ёқ-бу ёқдан, қизиқ-қизиқ воқеалар ҳақида суҳбат билан вақтичоғлик қилмоқ; ҳангома қилмоқ. *Йўлчи ўз дўсти Қоратой темирчи билан ҳангомалашиб ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қани, бу ёққа кел, ўғлим. Бир оз ҳангомалашайлик.* «Муштум».

ҲАНГОМАТАЛАБ [ҳангома + талаб] Ҳангомани, ҳангомалашишни яхши кўрувчи. *Икковимиз ҳам ҳангоматалаб бўлганимиз учун кунларимиз ҳазил-ҳузулсиз ўтмасди.* Газетадан.

ҲАНГРАМОҚ 1 «Ҳанг, ҳанг» деб овоз чиқармоқ, шундай овоз билан қичқирмоқ (эшак ҳақида). *Афандининг эшаги кўприкка етганда ҳанграб юборибди.* «Латифалар».

2 Эшак овозига тақлид қилмоқ; ўхшатмоқ; бақирмоқ, қичқирмоқ. *Бир куни бойваччалар менга, эмгаклаб ҳанґра, дейишди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ҲАНДАЛАК Қовуннинг юмалоқ, майдароқ, хушбўй, эти юмшоқ, эртароқ етиладиган бир тури. *Мулла Обид сабзи ва бодрингни сотиб битириб, ҳандалагини узади, қўшнилар ҳандалак узганда, мулла Обиднинг қовунига гал келиб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲАНДАСА [*а.* هندسه — геометрия] *эск. айн.* **геометрия**. *Мадрасада диний илмлардан ташқари дунёвий илмлардан ҳисоб, ҳандаса, тарих.. ўқитилади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *-Мен ўйлайманки, бу соҳада бизда камчилик йўқдир. Аммо ҳисоб, жабр, ҳандаса, жуғрофия, тарих, фалакиёт, табииёт каби кўп илмлар бор, — деди Анвар қори.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҲАНДАСАВИЙ, ҳандасий [*а.* هندسه‌وی, هندسی — ҳандасага, геометрияга оид] *эск.* Ҳандасага оид. *Меъмор илгари бир лойиҳалари йўқолгани сабабли қоғозу тасвир-чизиқларини, ҳандасавий ҳисобларни жуда эҳтиёт қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАНИК Уйнинг пойгагида ёки даҳлизда ювиниш, юз-қўл ювиш учун махсус ишланган жой; обрез. *Даҳлиздаги ҳаник четида чўнқайиб ўтириб, Умид қайноққина*

сувда юз-қўлини ювиб, ичкарига кирди. Мирмуҳсин, Умид. *..уйга ечинди, ҳаникда бет-қўлини ювиб, юқорига чиқиб ўтирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲАННОТ [*а.* حناط — жасадни мумиёловчи; ғалла сотувчи] *тар.* Дон олиб сотувчи савдогар, донжаллоб. *Унинг шарафига.. тошкентлик йирик ҳаннотлар Шокир ҳожи, Комил ҳожилар катта зиёфат берди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ҲАНСИРАМОҚ Югуриш, оғир юк кўтариш, ҳаво етишмаслиги, ҳаяжонланиш ва ш.к. туфайли тез-тез, оғир нафас олмоқ; ҳаллосламоқ, ҳарсилламоқ. *Шу заҳоти эшик тарақлаб очилиб кетди-да.. нафаси бўғзига тиқилиб, ҳансираган ҳолда Марат Маматов пайдо бўлди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Маҳди терлаб кетган, оғзини каппа-каппа очиб ҳансирар, бу даҳшатхонадан тезроқ чиқиб кетгиси келарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАНСИРАТМОҚ **Ҳансирамоқ** фл. орт. н. *-Қуёш тиккага келмасданоқ саҳронинг ловуллаган нафаси ҳансиратиб қўйди мени, — деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҲАНСИРОҚ Ҳансираб нафас олиш; шу тарзда олинган нафас. *Қизлар чарчашгандай, юзларига толим-толим бўлиб тушган сочларини тузатиб, ҳансироқ билан келиб ўтирдилар.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲАНУЗ [*ф.* هنوز — ҳали, ҳали ҳам, ҳалигача, ҳамон] Шу вақтгача, ҳозиргача, ҳамон. *Қаҳрамон билан турмуш қурганларига ўн йил бўляпти. Ҳануз бефарзанд.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Сидиқжон гарчи ҳануз оғзи бемаза ва боши оғирроқ бўлса ҳам.. кўнгли кўтарилиб, таъби очилганиданми, жуда енгил тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАНУЗГАЧА *айн.* **ҳануз.** *Лекин дард қолганимда, ҳанузгача қўлидан келадиган ёрдамини аямайди, ўзи мард йигит.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲАП I *тақл.с.* Оғизнинг тез очилиб-ёпилишини, шунда чиқадиган товушни билдиради.

Ҳап этмоқ (*ёки* **демоқ**) Тишлаш учун очилган оғизни тез беркитмоқ (ит, бўри ҳақида). *Ит ҳап этиб тишлаб олди. Бўри ҳап этиб ташланди.*

ҲАП II *шв. унд. с.* Жим! *Ая!.. Рисолат хола шошиб, Абдувалига ўгирилди. -Ҳап, — кўрсаткич бармоғини лабларига босиб, Ҳабиба хонимнинг уйи томон кўз ташлаб олди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Хариш отга ўхшаб тайсалламай ҳап турсанг-чи!* С. Аҳмад, Чўл бургути. *-Ҳап ўтир, тирмизак, — ҳисобчи болани жеркиб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲАПИЛЛАТМОҚ *с.т.* Шоша-пиша ошамоқ; ямламай еб қўймоқ, ютиб юбормоқ. *У* [*Абдуллахон*] *ҳамма болалар каби балх тутга ўч, ярим челагини ҳапиллатиб еворар.. эди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Кўк от.. ерга эгилиб, нам ўтни ҳапиллатиб чайнай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲАПИНМОҚ *шв.* Орзиқмоқ, дукилламоқ (юрак ҳақида). *Ўз уйини бир неча йилдан кейин яна кўрган Эъзозхоннинг юраги ҳапинди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲАПРИҚМОҚ *айн.* **ҳовлиқмоқ.** *Юраги ҳаприқиб, ўрнидан туриб кетди.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар.

ҲАПҚАТ *кам қўлл.* Каттакон, улкан, кенг. *Ҳапқат этик. Ҳапқат одимлар.* ▬ *Арслонқул.. йирик, ҳапқат одимлар билан жўнади.* Ойбек, Навоий.

ҲАП-ҲАП 1 Ҳап I с. такр.

Ҳап-ҳап қилмоқ *бол.* Шоша-пиша ошамоқ, еб қўймоқ.

2 Фойдасиз гап, беҳуда вайсаш. *Юзта ҳап-ҳапдан — битта чап-чап афзал.* Мақол.

ҲАР [*ф.* هر — ҳар; ҳар қандай, истаган, ҳар қайси] *белг. олм.* **1** Шахс ёки нарсаларни, уларнинг белгиси, ҳаракати ва б. жиҳатдан бўлган туридан ажратиб (яккалаб) кўрсатади, шу тарзда белгилайди. *Ҳар тўкисда бир айб.* Мақол. ▬ *Демак, бекор бўлмабди қурбон, Ҳар қурбонга бўлсин шарафшон!* Ҳ. Олимжон. *Ҳожи бўлса, ҳар беш дақиқада ичкари томонга қулоқ солиб тўхтар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Рўзимбой элликларни қоралаган, басавлат, ҳар билаги келисопдай полвон киши эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Фотима янги кетмон билан ер чопар, ҳар урганда, ернинг киндигини узиб оламан дерди.* Т. Ашуров, Оқ от.

Ҳар қалай Нима бўлса (бўлганда) ҳам. *Аламданми ёки йигитлик ғурури устун келдими, ҳар қалай, бир нафас билан тоғорага солиб олдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Лунжига туширган бўлса керак. Ҳар қалай, шундан кейин Умри мени кўрганида, кўчанинг у бетига ўтиб кетадиган бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Боя янгалари қош-кўзлари-*

га сурма тортиб, ёноғига сурма суртганиданми, ё шунча одам унга тикилиб ҳавасланганидан уялганигами, ҳар қалай, юзлари лов-лов ёнарди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Ҳар ҳолда** *айн.* **ҳар қалай.** *Ҳар ҳолда, Тошкент аҳолиси Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак сўрашни ҳам билмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳар ҳолда, бу оддий ҳол эмас.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Сўроқ олмошлари ва *бир, нарса* каби баъзи сўзлар билан бирикиб, белгилаш олмошининг умумлаштирувчи турига мансуб олмошларни ҳосил қилади. *Ҳар қандай тасодифнинг олдини олиш керак-да!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Тилак тилар эл дуосида: Ҳар қайсингиз бўлинг мингга бош.* Ҳ. Олимжон. *Ёмон одам бўлсангиз, мени ҳар нима қилишингиз қўлингиздан келар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Ҳар ким ўқийверса, подани ким боқади? — деди аччиқланиб Мирзакаримбой.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳайдар ота, ҳар нима бўлса ҳам Ултармага бориб,* [*Асрорқулни*] *кўриб келай, деб йўлга чиқди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

3 Вақт, жой-макон билдирувчи баъзи сўзлар билан бирикиб, қўшма сўзлар ҳосил қилади: *ҳар доим, ҳар гал, ҳар сафар, ҳар замон* ва б. *Ҳар вақт жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади.* А. Қаҳҳор, Бемор. [*Гулнор*] *Ҳар гал кампир билан ёлғиз қоларкан, дарров қизнинг ҳолини сўрарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сайҳонликни ўрмон ҳар ёқдан ўраб олганди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲАРАКАТ [*а.* حركت — юриш, қимирлаш, тебраниш; фаолият; жараён; арабча сўзларда қисқа унлиларни кўрсатувчи белгилар] **1** Киши ва нарсаларнинг ёки уларнинг қисмларининг тинч ҳолатдан чиқиши: қўзғалиши, қимирлаши ва ш.к.; тинч ҳолатга қарама-қарши ҳолат. *Одамларнинг кўзларида, ҳаракатларида қандайдир нотинчлик сезди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг юришлари, кифтларининг ҳаракати ниҳоятда чиройли эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бу қоронғиликда аллақандай махлуқларнинг лип-лип ҳаракати аранг кўзимга чалинарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Қудратли ғилдираклар ҳаракатидан келаётган овоз Ойбекни хаёлга чорлади.* Газетадан.

2 Ишни бажаришда фаолиятнинг ҳолати, бажарувчининг фаолият тарзи, йўсини. *Ҳали ўринларини йиғиштириб улгурмаган жангчиларнинг ҳаракатида шошқалоқлик кўринди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 Киши тана аъзоларининг маълум бир маъно, мазмунни ифодаловчи ҳаракат-ҳолати. *Табиб.. қўрбошига нимадир деди. Унинг юз ва қўл ҳаракатидан «сиздан нима кетди, бир кўрайлик», деган маъно англашилиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Улар энг ибтидоий тилга — ҳаракатлар, имолар билан фикр уқтиришга мурожаат қилдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маънони англади..* А. Қаҳҳор, Нотиқ.

4 Бирор ишга киришиш, бирор нарса қилишга уриниш; интилиш, тиришиш. *Ўғлини ўқитиш учун қилган ҳамма ҳаракатлари бекор кетди.* ▬ *Шерали ҳамширанинг ҳаракатини кузатаркан, юраги сиқилиб, зўрға гапирди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Муталнинг биринчи ҳаракати бўш кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмаджон.. бир ҳаракат билан пулемёт тепкисини босди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Ҳаракат қилмоқ Уринмоқ, интилмоқ. *У йиғлаб юбормасликка шунча ҳаракат қилса ҳам бўлмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бола тақлидчи бўлади, у.. ўз отасига тақлид қилишга ҳаракат қилади.* С. Зуннунова, Янги директор.

5 Пайида бўлиш; тараддуд. *Режамиз амалга ошаётганига суюниб, тўй ҳаракатига тушдик.* «Муштум». *Қорининг хотини дастурхон ҳаракатида юрганида, у гап бошлади.* Мирмуҳсин, Бир хум тилла. *Яхшиси, қайин отангга узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Хатти-ҳаракат; қилиқ. *Унинг бу ҳаракатлари кўпчиликни ранжитди.* ▬ *Сирожнинг гап ва ҳаракатларидан самимият, соддалик ёғилиб турар эди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

7 Маконда бирор йўналиш бўйича бўладиган силжиш, юриш ва б. *Кўча ҳаракати. Йўл ҳаракати қоидалари. Транспортлар ҳаракати.*

8 *кўчма* Ўсиш, ривожланиш. *Жамият олға қараб ҳаракат қилар экан, ёшлар ҳам ўша бараварда ўсишлари керак.* Газетадан.

9 *флс.* Модданинг яшаш усули, унинг умумий ажралмас хусусияти, моддий дунёнинг ўзгариши ва ривожланишининг тўхтовсиз жараёни. *Модда доимо ҳаракатда.* ▬ *Материянинг асосий намоён бўлиши эса ҳаракат, фазо ва вақт билан боғлангандир.* «Фан ва турмуш».

10 Маълум мақсадга қаратилган ақлий ёки жисмоний фаолият; иш, меҳнат. *Ҳаракат, ҳаракатда — баракат.* Мақол. ▬ *Полвонёпда кечаю кундуз ҳаракат тўхтамас, юк ортилган кемалар бу кенг, сунъий анҳор орқали Амударёга борар, ундан Орол денгизига тушиб, Ғаззолига кетарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

11 *кўчма* Белгили мақсад кўзда тутилган ижтимоий фаолият. *Миллий-озодлик ҳаракати. Ишчилар ҳаракати. Тажовузкорлик ҳаракати. Ядро қуролларидан воз кечиш ҳаракати.* ▬ *Афғонистон мустақиллигини кўзловчи «ёш афғонлар» ҳаракати бошланади.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

Ҳаракат номи *тлш.* Феълнинг иш-ҳаракатнинг номинигина билдирувчи (уни атовчи), замон, шахс-сон, майл каби маъноларга эга бўлмайдиган шакли. Бу шакл *-(и)ш, -(у)в, -моқ* қўшимчаларидан бири билан ҳосил қилинади: *ўқиш, ўқув, ўқимоқ* каби.

ҲАРАКАТЛАНМОҚ Ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ; қўзғалмоқ; юрмоқ. [*Кумуш*] *Энди боягига қараганда бир оз енгиллангансимон, жон олувчи қора кўзлари ҳаракатлана бошлаган, буғриққан қизил юзлари очилинқираган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАРАКАТЛАНТИРМОҚ Ҳаракатланмоқ фл. орт. н. *Новча бўйли Каримжон ўнг қўлини ҳаракатлантириб, тинмай сўзларди.* Газетадан.

ҲАРАКАТЛИ 1 Ҳаракат қиладиган, қимирлайдиган, силжийдиган.

2 Бирор иш қилишга уринадиган, тиришадиган, ҳаракатчан.

ҲАРАКАТСИЗ 1 Ҳаракат қилмайдиган, қимирламайдиган, қўзғалмас ҳолатли (ҳолатда); бир жойда туриб қолган. *Кутилмаган ғазабга учраган Бозоров нима дейишини билмай, тилсиз, ҳаракатсиз, ёғочдай қотиб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор иш қилишга уринмайдиган, тиришмайдиган; фаолиятсиз, суст. *Ҳаракатсиз одам.*

3 *кўчма* Фойдаланилмай, ишлатилмай ётган ҳолатда(ги). *Китоб ойлигининг ўзига хос хусусияти шундаки, кўпдан буён ҳаракатсиз ётган эски китобларга иккинчи умр бахш этилади.* Газетадан.

ҲАРАКАТЧАН 1 Тез ҳаракат қиладиган, тез қимирлайдиган, серҳаракат. *Ҳаракатчан ҳужайралар (биол.). Ҳаракатчан бола.* ▬ *«Вася» деганда, бу йигитнинг келишган ва ҳаракатчан қомати одамларнинг кўз олдига келиб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Серғайрат, ишчан. *Муҳиддин Қориёқубов иродали, ҳаракатчан, хушчақчақ, ажойиб овозли санъаткор эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҲАРАЛА-ТАРАЛА Ялло қилиб, кайф-сафо билан кун ўтказиш. *Баъзи бир фирқа аъзоларининг гапхонада ноз-неъматларга ғарқ бўлиб, эрта-кеч ҳарала-тарала билан умр ўтказганларини ёзсак нима бўлади.* «Муштум».

Ҳарала-тарала қилмоқ Беғам, беташвиш, ялло қилиб юрмоқ, ишламай кайфу сафо қилмоқ. *Бўрибой бўлса рўзғордан юлиб-юлқиб, яна киши билмас йўллар билан пул топиб, ҳарала-тарала қилиб яшайди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *-Баъзилардек кулиб, ҳарала-тарала қилгим келмайди, — деди Чўтир хола Умидга.* Мирмуҳсин, Умид.

ҲАРАМ [*а.* حرم — хос, бегоналар кириши ман этилган жой; муқаддас, азиз жой; хотинлар; аёллар] **1** *дин.* Муқаддас деб ажратиб қўйилган, кириш тақиқланган жой (мас., Макка шаҳрида Муҳаммад пайғамбарнинг мақбараси).

2 *тар.* Ҳовлининг аёллар учун ажратиб қўйилган қисми, ичкари (асосан, олий, юқори мансабдорлар хонадонларида). *Хон аъёнларга рухсат бериб, ҳарамга кирган, ўрданинг кундузлик ходимлари тарқалишиб, фақат кеча беклари, хон соқчилари, доимий ходимлар қолган эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Гўрўғли ана шундай насиҳатларни қилиб, ўзи ҳарам сари қараб кетди.* «Гулихиромон».

Ҳарам оғаси Ҳарамдаги хотин-қизларни кузатиб юрувчи бичилган қул. *У бир неча кун ҳарам ичидаги ҳужрада ётади. Ўзига келгач, шу ҳовлида ҳарам оғаси бўлиб ишлаб юради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАРАМХОНА [ҳарам + хона] *айн.* **ҳарам 2**. *Чап томонида амирнинг ҳарамхонасига*

ва қушбегининг ҳовлисига бориладиган йўлак. С. Айний, Эсдаликлар. *..инқилобдан илгари шу бино ҳарамхона бўлиб, унда канизаклар турарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲАРБ [*а.* حرب – уруш, жанг] *эск. кт.* Уруш, жанг. *Жаҳон кўз тутди бу қудратли ҳарбга, Ғалаба билан биз борардик Ғарбга.* Уйғун. *Ҳарб илмида ҳамма йўл бекилганда, жангчи учун ўлимдан бошқа чора қолмагандагина, ўзини-ўзи ҳалок қилади, дейилади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Ҳарб олишмоқ Бири иккинчисига ҳамла қилмоқ, олишмоқ; тортишмоқ. [*Набижон*] *Хўриллатиб, серқатиқ маставани ичишга тутинди. Лекин мастава ичаяптими, заҳар ичаяптими – фарқ қилмас, хаёлида ҳамон ўша раис билан ҳарб олишар эди.* Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

ҲАРБА [*а.* حربه – найза, санчқи] *фольк.* Найза, қилич каби жанг қуроллари. *Одам кўп-да, ҳамма ўртага олиб, Ҳар тарафдан ҳар хил ҳарбалар солиб, Энди тушди қилич олиб ғазога, Бек Гўрўғли қолди энди қамалиб.* «Хушкелди».

Ҳарба қилмоқ *фольк.* Ҳамла қилмоқ. *Ҳолинг билмай, мунча сен ҳарба қилдинг, Парилар султони, сен энди ўлдинг.* «Баҳром ва Гуландом». *Бу билан аждаҳор ҳарба қилмади, Аждаҳордан ҳеч сиёсат бўлмади.* «Муродхон».

ҲАРБ-ЗАРБ, **ҳарбу зарб** [*а.* حرب‌ضرب – жанг ва зарба] Уруш, жанг, саваш. *Кунлардан бир кун Чангали Мозандарон томондан йиртқич ҳайвонлар мўр-малахдек бостириб келиб, жониворлар ўртасида жангу жадал, ҳарбу зарб бошланибди.* А. Мухтор, Чинор. *Отанг яхши, онанг яхши деб туриб, жон чиқар жойига тушириш керак: панд беролмасанг – ўзинг панд ейсан. Ҳарб-зарб қонуни шу.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲАРБИЙ [*а.* حربى – урушга, қўшин, армияга оид] **1** Урушга алоқадор; уруш, жанг ишлари билан боғланган. *Ҳарбий асир. Ҳарбий сир. Ҳарбий ҳолат. Ҳарбий техника.* ▬ *Нормат фронтда эканини, бу ерда чанқоқ водийларга сув берувчи, нур берувчи канал эмас, балки ҳарбий истеҳкомлар ковланиб, ёв йўлига ғов тикланаётганини сезди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Армияга, ҳарбий хизматга оид. *Ҳарбий врач. Ҳарбий интизом. Ҳарбий иш. Ҳарбий хизмат. Ҳарбий кийим. Ҳарбий қисм.* ▬ *Йўлда ҳарбий юк ва аскар ортган машиналарнинг кети қарийб узилмас эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У ерда бир тўп противогаз таққан йигитлар ҳарбий машқ учун сафланмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Хонага ҳарбий медицина формасидаги.. офицер кирди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 Армиядаги, ҳарбий ишдаги киши, ҳарбий хизматчи. *Ҳеч ким ҳарбийларга хос чаққонлик билан жавоб бермади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У олиму шоирлардан кўра ҳарбийларни иззат қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 *от, с.т.* Ҳарбий хизмат; армия. *Ўғлим ҳарбийда.. у кетди-ю, икки кундан кейин немислар келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳарбийга чақирилгунча Тошкентнинг йирик заводларидан бирида смена инженери бўлиб ишлаган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҲАРБИЙЛАШТИРМОҚ Ҳарбий шароитга мослаштирмоқ, уруш эҳтиёжлари учун ишлашга ўтказмоқ; фуқарони ҳарбий ишга ўргатмоқ.

ҲАРБИЙЛИК **1** Ҳарбий хизматчи, аскар эканлик.

2 Ҳарбий хизмат, ҳарбийдаги ҳаёт. *Ҳарбийлик давримнинг биринчи олти ойида – сержант, сўнгги ойида эса лейтенант бўлиб қайтганман.* А. Баҳромов, Осон яшашнинг йўли.

ҲАРБИЙЧА Ҳарбий кишиларга хос, ҳарбий хизматга тегишли. *Ҳарбийча ишламоқ. Ҳарбийча кийинмоқ. Бу ерда ҳам ҳарбийча қаттиқ интизом ўрнатилган эди.* ▬ *Элмурод «салом», деб ҳарбийча кўришиш учун қўлини чеккасига қўйган эди, у қўл узатди, кўришдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҲАРБИЙЧАСИГА Ҳарбийларга хос бир тарзда, ҳарбий кишиларга ўхшаб; ҳарбийча. *Бир аскар йигит ҳарбийчасига салом бериб: -Бизда ака-ука Ражабовлар хизмат қилишади, – деди грузинча оҳангда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲАРВОНА *эск.* Лўк, туянинг урғочиси.

ҲАРГИЗ [*ф.* هرگز – ҳеч вақт, асло; қачондир] *кам қўлл.* **1** Асло, сира, ҳеч. *Ҳаргиз билдирма.* ▬ *Бу гапларни ҳаргиз ҳазил билмагил!* «Гўрўғли». *У тарафи билан ҳаргиз ишинг бўлмасин.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Аммо Адаш Карвон имону диёнатни ҳаргиз унутмади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Буткул, бутунлай. *Жоҳилликни ҳаргиз ташла, фарзандим, Энди токи, Оловхўжа пирингман.* «Юсуф ва Аҳмад».

ҲАРДАМХАЁЛ [*а.* هردمخيال] Ўз фикрида қаттиқ турмайдиган, иккиланадиган; турлича, тайинсиз хаёллар огушида бўлган. *Врач нима қиларини билмай, ҳардамхаёл бўлиб турарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Кейин, ҳай, майли дегандек, ҳардамхаёл кўчага чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҲАРДАМХАЁЛЛИК Ҳардамхаёл ҳолатлилик. *Низомжон акасининг гапига тушунмади. Ўрнидан турди-да, ҳардамхаёллик билан кўчага чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳардамхаёллик билан яшаган одам фойдали ишни ҳам вақтида қилолмай.. қолаверади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ҲАРИНА [*ф.* هرينه]: **дарди ҳарина** 1) кетмайдиган, кишига ёпишиб олган дард; 2) *кўчма* қутулиб бўлмайдиган кулфат, азоб; шундай белгили, хусусиятли нарсага нисбатли ҳақорат сифатида қўлланади. *-Агар аҳвол шундайлигича давом этаверса, бари бир, ҳаммамиз ҳам қирилиб кетамиз. Бу турмуш эмас, дарди ҳарина, — деди Рафоэл.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Шошманг, бу дарди ҳарина озроқ тутақсин! Пуф-пуф. Ўҳў, аҳ. Тутун жигаримни ҳам титиб юборди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАРИР [*а.* حرير — ипак; шойи мато] **1** Юпқа ипак газлама. *Ҳарирдан тикилган кўйлак. Ҳарир дурра.* ▬ *Мулозимлари тилладўз чопон ва ҳарир кўйлаклар тугилган зарбоф бўғчани малика оёғи остига қўйдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Умуман, юпқа, нозик газлама. *Ҳарир шол рўмол.* ▬ *Раққоса устидаги ҳарир матоларни итқитиб ташлаб.. ўйин тушди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир. *Ҳарир матолардан тикилган ранг-баранг қизлар кўйлаги хона деворида осиғлиқ турар эди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

3 *кўчма* Тоза, мусаффо, шаффоф. *Кеч кириб, оқ ҳарир қор устига тун ўзининг қора либосини ёпди.* Й. Муқимов, Матонатли кишилар. *Тонг отган, ҳавони қоплаган ҳарир туман орасидан олисдаги тоғлар элас-элас кўринар эди.* О. Ёқубов, Излайман.

ҲАРИС [*а.* حريص — ҳирсли, бирор нарсага берилган; очкўз, тамагир; тежамкор] **1** Бир нарсага ҳирс қўйган, ҳирсли; ишқивоз, жуда орзуманд. *Шахматга ҳарис одам. Хоккейга ҳарис.*

2 Очкўз, тамагир; қурумсоқ. *Мен қорнидан бўлак ғами йўқ, ҳарис, жоҳил уламоларни ёмон кўраман.* С. Сиёев, Аваз.

ҲАРИСЛИК Ҳарис бўлиш, ҳарисга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Ҳарислик билан пул йиғмоқ.* ▬ *Самандар унинг қўлидаги шишага ҳарислик билан қараб қўйди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *..сотувчи йигит унинг ҳар бир қилиғи, хатти-ҳаракатини ҳарислик билан кузатмоқда эди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ҲАРИФ [*а.* حريف — шерик, бирга ишловчи; ўртоқ, улфат; бирга ўйновчи; мижоз] **1** *кт.* Шерик, жўра, улфат. *Мирвали бангининг ҳарифи ҳисобланган Ўтарбой унга жавоб берди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ахир, бекас бир нотавон, унутилган ғарибни Қаҳратон қиш кечасида йўқларди қай ҳарифи.* Р. Бекниёз, Тўтиё.

2 Бирор кимсага зид ҳаракат қилувчи, қарши курашувчи; рақиб. *Кураш майдонига тушган полвон — эр Беллашиб олмоққа ҳариф чақирар.* М. Шайхзода. *Табибий билан муносабатлари бузуқлигини эшитиб, Саид Ғозига ўхшаган ҳарифлари пинҳона кулиб юрган эди..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАРНА 1 *фольк. белг. олм.* Барча, ҳар нима, нимаки. *Қулоқ солдим ҳарна деса амрига..* Ҳ. Олимжон. *Ҳарна сирни айтаверинг ўзима.* «Ҳасанхон». *Кўнглидаги ҳарна ғуборлар кетди..* «Баҳром ва Гуландом». *Аркон давлатимни сенга топширдим, Ҳарна ихтиёрим сенга топширдим.* «Ҳасанхон».

2 Нима бўлганда ҳам, ҳар ҳолда. *Хўжабековнинг сўзига кириб, ҳарна ялама бўлади, деб ҳамма йўлбошловчи серкаларнинг жунини қирқтириб юборди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Лекин Қўлдош ҳарна ўзини Каримдан ожиз санаб, гапни бошқа ёққа буриб юборди.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 *с.т.* Шуниси ҳам ёмон бўлмаслиги, ҳечдан кўра шуниси ҳам маъқуллиги маъносини билдиради. *..бутун бир мавсумда ўн меҳнат кунини пилладан юлиб, пахтага бергани ёрдам қилсаларинг ҳам ҳарна!* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар. *Икковизга биттадан эшак ёзсаям, ҳарна.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲАРНЕЧУК *кам қўлл. айн.* **ҳарна 2**. *Ҳарнечук иш бўлса, бажариб ташлаймиз.* ▬

Сидиқжон далани яхшироқ кўрсатиш учунми ёки бошқа сабабданми, ҳарнечук, у [Мунисани] тутзор ёнидаги камқатнов йўлга бошлади. Ё. Шукуров, Орзулар.

ҲАРОМ [*а.* حرام – фойдаланиш, истеъмол этиш шаръан ман этилган нарса; муқаддас; ноқонуний] **1** *дин.* Шариат ҳукмига мувофиқ ейиш, ичишга, фойдаланишга ярамайдиган, ҳалол эмас. *Эшакнинг кучи ҳалол, гўшти ҳаром деганларидек..* ▬ *У Ашир билан қўл бериб сўрашишга ҳазар қилибди. Чунки Ашир чўчқабоқар-да! Балки чўчқа шариатда ҳаром махлуқ ҳисоблангани учун ундан ҳазар қилгандир.* С. Анорбоев, Оқсой.

Ҳаром ўлмоқ Сўйилмасдан, бирор касаллик ёки бошқа сабаб билан ўлмоқ (гўшти ейиладиган ҳайвон ва қушлар ҳақида; бундай ҳолларда уларнинг гўштини ейиш ман этилади, яъни ҳаром ҳисобланади). *Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади.* Мақол. ▬ *Отамнинг «Чемберлен» деган эчкилари бор эди, ҳаром ўлай деганда, бўғзига пичоқ тортиб юборганлар.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Ҳаром қилмоқ** Ҳаром ҳолга келтирмоқ. *Кел, қутурган итлар ҳаром қилмасдан туриб, шу тоза юзларингдан охирги мартаба ўпай!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Қизишманг! Табаррук қиличингизни бу ифлоснинг қони билан ҳаром қилманг!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Шариат бўйича, анъана ёки тартиб-қоидаларга кўра ман этилган иш, хатти-ҳаракат; шу йўл билан топилган нарса; ҳаётида шундай йўл тутувчи кимса. *Тўғри бўл, ҳаромдан ҳазар эт, дегансиз. Йиғлаб турган ғарибнинг ёнига кир, кўнглини ол, дегансиз.* С. Сиёев, Аваз. *Жиноятчилик йўли билан топган ҳаром пулингиз ҳисобига еган овқатларимиздан ҳали ҳам ўқчиб юрибмиз.* «Муштум». *Шунақа ҳаром одамлар ўз эгаларига яхши хизмат қиладилар..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *с.т.* Жинсий муносабатдан сўнг ғусл қилмаган, чўмилмаган.

4 Фойдаланиш мумкин бўлмаган, эсиз кетган нарсаларга нисбатан қўлланади. *У бу мажлисга Саидғози билан бирга кечалари уйқусини ҳаром қилиб тайёрланди.* С. Анорбоев, Оқсой. *..ё ҳафтада бир келадиган дам олиш кунини ҳам ҳаромга чиқариб, бозор-ўчар қилсинми?* Т. Алимов, Ишқилиб, ўқимаган бўлсин-да! *Энди бу ерлар бизга ҳаром бўлибди, Бу араб юртида бизга нима бор?* «Баҳром ва Гуландом».

ҲАРОМЗОДА [*а. + ф.* حرامزاده – ҳаромдан, никоҳсиз туғилган] **1** *айн.* **ҳароми**. *-Қоч, ҳаромзода! – деб Султонга таҳдид қиларди Бўронбек.* Ҳ. Ғулом, Машъал. [*Қутидорнинг*] *Кўз ўнглари қоронғиланиб, бир неча вақт серрайганча қолди. Яна «яхшиликни билмаган ҳаромзода!» деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..тузингни ичиб, тузлуғингга тупураман, дегин.. Ҳаромзодаларнинг йўлига тушдингми?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма кам қўлл.* Ўз жинси, зотидан бўлмаган; бегона (нарсалар ҳақида). *Тошойнанинг олдига ўтириб олиб, мўйчинак билан соқол-мўйловининг ҳаромзода тукларини юлди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Баъзи жойларни баланд бўйли ғумайлар босиб, ҳалиги «ҳаромзода»ларни ҳам кўриб бўлмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲАРОМИ [*а. + ф.* حرامی – кимсанинг молига, ҳаром нарсага дахл қилувчи; ўғри, қароқчи] **1** Ўзаро никоҳ килинмаган эркак ва аёлдан туғилган бола. *-Ана шундай кунларнинг бирида ўзим ёлғиз ўтириб, ҳаж йўлида орттирган ҳаромимга кўйлакча тикаётган эдим, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бизнинг юзимизга оёқ қўйиб, никоҳсиз загсдан ўтиб олдинг. Энди уялмасдан, ҳароми болангни кўтариб келдингми?!* Ғайратий, Довдираш.

2 *кўчма* Шундай маъноли сўкиш, ҳақоратни билдиради; ифлос, ярамас. *Сут кўр қилгур, ҳароми Гитлер оқпадар..* Ғ. Ғулом. *Мен сени жоҳил, шуҳратпараст бир сак деб юрсам, одам қонига ташна зулук экансан-ку, ҳароми!* С. Сиёев, Аваз.

ҲАРОМЛАМОҚ 1 Ҳаром қилмоқ, булғамоқ, ифлос қилмоқ. *Кучук қозонни ҳаромлаб кетибди.*

2 *кўчма* Номусига тажовуз қилмоқ. *Токай пок қизни ҳаромлаб, яна – Тарвуз каби узар ота калласин!* С. Назар. *Ширин, Шакар ҳаромлади танамни..* «Ширин билан Шакар».

ҲАРОМЛИК Ҳаром бўлиш, ҳаром иш, хатти-ҳаракат. *Ҳаромликдан ўзини тиймоқ.* ▬ *Мен суйганим учун ҳаромликдан бошқа барча ишга бош эгаман.* Ҳамза, Бурунги қозилар.

ҲАРОММАҒИЗ [*а. + ф.* حراممغز – миямча; орқа мия] Марказий нерв системаси-

нинг умуртқа поғонаси канали ичида жойлашган қисми; орқа мия. *Буниси елкамдан суяб олиб, ҳароммағизимга урди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Султон, ҳароммағиздан намуна олишнинг қандай азоб эканини бошидан кечириб билган эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ҲАРОМНАМАК [*а.* + *ф.* حرامنمک – ҳаром туз: ичган тузини оқламаган] Тузни оқламайдиган, тузини ичиб, тузлуғига тупурадиган. *Бўлмаса, подшоҳ ҳақида иғво қилганларнинг гапини эшитган ҳамоно оғзига урмасмиди! Ёки у ҳаромнамакларни бизга тутиб бермасмиди?!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Муҳаммад Дўст асли ҳаромнамак экан, Андижон томонларда фитна-иғволар қилиб юрганида, яна Шайбоний қўлига тушдию, кўзларини ўйиб олдилар.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ҲАРОМТОВОҚ Ўзи ишламасдан, бошқалар ҳисобига яшовчи; текинхўр. *Меҳнат замонидир бу яхши замон. Ҳаромтовоқ одам ўғридан ёмон.* Уйғун.

ҲАРОМТОМОҚ **1** *айн.* **ҳаромтовоқ**. *Январь ойи кўк ялпизни қайдан топай?.. Онабола қичқирдилар унга шу чоқ: -Кўп гапирма, ол саватни, ҳаромтомоқ!* А. Мухтор.

2 Ҳалол ҳаёт кечирмайдиган, порахўрлик, товламачилик ва ш. к. нопок йўллар билан яшовчи. *Тошкент вилоят судида Ҳидоятова ва унинг ҳаромтомоқ шерикларининг жиноий иши кўрилди.* Газетадан. *Бозордагиларни дўқ билан чўчитиб олган бундай ҳаромтомоқларни ким тийиб қўяр экан-а!* Газетадан.

ҲАРОМХЎР [*а.* + *ф.* حرامخور – ҳаром (қилинган) нарсани еювчи] **1** *дин.* Ҳаром, шариатда ман қилинган овқатларни истеъмол қиладиган. *Ҳаромхўр киши.*

2 *кўчма айн.* **ҳаромтомоқ**. *Нафси ёмон, ҳаромхўр, меҳнатни севмас, унга Текин таом, текин пул, айшу таралла бўлса.* Уйғун. *Бировнинг дўпписини бировга кийгизиб кун кўрувчи бунақа ҳаромхўрлар бозорда кезиб юришаркан.* «Муштум».

3 Ўлимтикларни еювчи (қушлар ҳақида). *Жилғанинг устида бир гала қорақуш.. ва калхатлар гир айланиб учиб юрарди. Отряд отларнинг бошини тортиб, ҳаромхўр қушларни томоша қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАРОМХЎРЛИК Ҳаромхўрга хос иш, хатти-ҳаракат. *Тўтининг отаси Ашур Мирзо ҳаромхўрлик, фирибгарлик.. билан дунё орттириб, «Болта кўпас» деб ном чиқарган катта савдогарнинг ўктам мирзоси эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..бу идорадаги ҳаромхўрликлардан кўз юмолмайман.* Н. Аминов, Суварак.

ҲАРОМ-ҲАРИШ [ҳаром + *ф.* هراش – қайт қилиш; қусуқ] Ҳаром нарсалар, ҳаром иш, қилмишлар. *-Дўхтирхонаси қурсин, ҳаром-ҳаришни фарқ қилмайди.. – деди Савриниса Холниса холага.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Ҳаром-ҳаришга аралашиб юриб, сен ҳам чарви боғлаб қолдингми?* Уйғун, Ҳуррият. *..тупроқда ўтганларнинг руҳи бор. Бизни ана шу ҳаром-ҳаришлардан асраб келган, болам..* «Ёшлик».

ҲАРОРАТ [*а.* حرارت – иссиқлик, ҳарорат, температура; тошма; аччиқлик] **1** Қизиган нарсага хос иссиқлик, кучли даражадаги иссиқлик. *Оловнинг ҳарорати. Қуёшнинг ҳарорати.* ▬ *Дашт, дашт! Ҳарорат зарбидан ҳамма ёқ лип-лип этади.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Қора кигизларни ёндирай деб, ҳар бир тешикдан ўтов ичига кирган ҳарорат уйни хумдонга айлантирган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ичдан чиқаётган ҳарорат оғзини куйдираётгандек, пуф-пуфлаб нафас олиб ўтирган мингбоши келувчига бош ирғади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Нарсаларнинг иссиқ-совуқлик ҳолати; температура. *Ҳавонинг ҳарорати. Ҳароратнинг ўзгариб туриши. Мўътадил ҳарорат. Юқори ҳарорат. Совуқ ҳарорат. Ҳарорат пасайиб, қор ёға бошлади.* ▬ *Жўра полвон.. ернинг етилиши, тафти, нами, ҳарорати.. суғориш усулларини яхши билади.* И. Раҳим, Ихлос. *Ҳарорат етарли бўлса, тўққиз-ўн кунда шоли униб чиқади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Тананинг киши саломатлиги ҳолатини кўрсатувчи иссиқлик даражаси; температура. *Беморнинг ҳароратини ўлчамоқ.* ▬ *Меъморнинг ҳарорати пастга тушмас, бунинг устига тинмай алаҳларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 *кўчма* Руҳий кўтаринкилик, жўшқинлик. *Ғуломжон энди ўзини анча тутиб олиб, ўт билан, ҳарорат билан гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Юсуфжон қизиқ тўқсон ёшга кирган бўлишига қарамай, ҳали унда ёшлик ҳарорати сўнган эмасди.* Т. Обидов,

Юсуфжон қизиқ. *Ҳарорат билан айтилган бу сўзлар замирида улкан бир ҳақиқат ётибди.* Газетадан.

5 *кўчма* Ҳиссий тафт, завқ, лаззат. *Элмурод Зебони кузатиб қўйиб, иссиқ бир бўса ҳарорати билан қайтиб келгач, узоқ ухлолмади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ўша туни энг биринчи бор Сезган эди лаб ҳароратин.* Сайёр.

ҲАРОРАТЛИ 1 Ҳарорати бор, иссиқ. *Қуёш ўзининг ҳароратли нурларини аямай сочарди.* Газетадан. *Гулнор.. ҳароратли қўллари билан унинг юзини силади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ҳиссий, руҳий тафтли, кўтаринки руҳдаги; жўшқин. *Ойсанамнинг чеҳраси ёришиб.. кўзларидан у ёшдаги қизларгагина хос ҳароратли жозиба учқунланди.* М. Хайруллаев, Қўшнилар. *Ҳаётхон Ғуломжоннинг ҳароратли сўзларини, ишқ таронасини эшитаётгандек, берилиб эшитди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАРОРАТСИЗ 1 Ҳарорати, иссиғи, тафти йўқ; совуқ. *Энди қуёш ёрқин! Лекин менинг учун Юлдуз каби ҳароратсиз, хайр!* А. Мухтор.

2 *кўчма* Совуқ; завқ-шавқ, роҳат-лаззат бағишламайдиган, «совуқ». *Ана қаранг, куз қуёшининг боқиши ҳам тул хотиннинг жилмайишидай ҳароратсиз. Осмон ўзининг ёзги тиниқлигини йўқотган — оқиш хира.* С. Анорбоев, Оксой.

ҲАРСИЛЛАМОҚ Ҳарс-ҳарс қилмоқ (*қ.* **ҳарс-ҳарс**). *Нафаси томоғига тиқилиб, ҳарсиллаб тўхтар.. боши гир айланарди.* М. Мансуров, Ёмби. *Юрагим гуп-гуп уриб, ҳарсиллардим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Оқсоқол иссиқдан ҳарсиллаб, бир муддат сукут қилди.* Ойбек, Навоий. *..офтоб жуда қизиб кетган пайтда, Абдурасул ҳарсиллаб қолган ҳўкизларни қўшдан чиқариб дам беради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАРС-ҲАРС *тақл. с.* Иссиқ, тез ёки оғир меҳнат, ҳаракат туфайли қийин, оғир нафас олиш ҳолатини билдиради.

Ҳарс-ҳарс қилмоқ Шу тарзда (оғир ва қийин) нафас олмоқ. *Тез юриб келганларидан бўлса керак, нафаслари оғзиларига тиқилиб, ҳарс-ҳарс қилардилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..икки отлиқ етиб олишига сал қолибди, саман от ҳарс-ҳарс қилиб келарди.* Н. Фозилов, Оқим.

ҲАРТУГУЛ *мод. с., с.т.* Ҳар қалай, хайрият, хайриятки. *-Мен ойим уришиб берадиларми деб, қўрққандим. Йўқ, ҳартугул, индамадилар, — деди Эргашнинг ўртоғи.* А. Мирaҳмедов, Кулган чечаклар.

ҲАРФ [*а.* حرف — товушнинг ёзувдаги шакли; ундош товуш; сўз] Товуш (фонема)нинг ёзма нутқ учун қабул қилинган шакли, белгиси. Ҳар бир товуш (фонема), одатда, бир белги билан ифодаланади. Мас., *а, б, к, у* ҳарфлари. Баъзи фонемаларгина, маълум талаб, сабабга кўра, бирдан ортиқ белги билан ифодаланади.

Бош ҳарф Кичик ҳарфдан ҳажми ёки шакли ва ҳажми билан фарқланувчи ҳарфлар. Мас., *А* ҳарфи шакли ва ҳажми билан кичик *а* ҳарфидан, *В* ҳарфи фақат ҳажми билан кичик *в* ҳарфидан фарқланади. **Кичик ҳарф** Имло қоидаларига кўра бош ҳарф ёзиладиган ҳоллардан бошқа ҳар қандай ҳолатда ишлатиладиган ҳарф. **Ҳарф танимоқ** Ҳарфларни биладиган, ўқийдиган бўлмоқ. *Одамлар ҳарф таниб, сал-пал ўқийдиган бўлгандан кейин, Ўрмонжон правление олдига ҳамма бригада ва звено бошлиқларини ўқишга мажбур қилиш масаласини қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲАРФИЙ [*а.* حرفى — ҳарфга оид; сўзма-сўз] Ҳарф ёки ҳарфлардан иборат бўлган, ҳарфга оид, ҳарф билан боғлиқ. *Фонемаларнинг ҳарфий ифодаси.* ▬ *Афтидан. Акрамжон ёзишда анча шошилган бўлса керак, анча-мунча ноаниқликлар, ҳарфий хатоларга йўл қўйибди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ҲАРФМА-ҲАРФ Ҳар бир ҳарфни алоҳида; сўзма-сўз. *Матнни ҳарфма-ҳарф текшириб чиқмоқ.* ▬ *Бу таржималарнинг бари айнан, ҳарфма-ҳарф асл нусхага мос бўлсада, маъноси чақилмаган.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *..бир аёл бир доскага, бир дафтарига энгашиб, охирги сатрни ҳарфма-ҳарф кўчирар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАРФХЎР [*а. + ф.* حرف‌خور — ҳарф еювчи: расмиятчи, шаклбоз] Масаланинг моҳиятига эмас, балки унинг ташқи кўринишига, майда-чуйда нарсаларга кўпроқ эътибор берувчи киши, расмиятчи. *Ҳалиям ҳарфхўрлигинг қолмабди, ҳарфхўр!* С. Сиёев, Эркаклар эртаги. *Қўявер бу ҳарфхўрларни. Бу журналист деганинг ҳаммаси шунақа бўлади.* Н. Қобил, Унутилмас соҳиллар.

ҲАРФХЎРЛИК Ҳарфхўрларга хос иш тутиш. *Бу ҳол ҳарфхўрлик, ишга масъулиятсизлик билан қараш ва ўқувчиларда қироатхонлик кайфиятини вужудга келтиради.* Газетадан. *Қироатхонлик, ҳарфхўрлик, қоғозлардан ташқари чиқа олмаслик фикрингизни ўтмаслаштиради.* М. Мансуров, Лектор.

ҲАРЧАНД [*ф.* هرچند – -са ҳам, -га қарамай] **1** *кам қўлл.* Тўсиқсиз эргаш гап таркибида «ҳар қанча», «қанчалик», «имкон борича» маъносини билдиради. *Парда ёпилди. У одамлар ҳарчанд чапак чалишса ҳам, қайта очилмади.* А. Эшонов, Чоргоҳ. *Султонов ҳарчанд уринмасин, уларнинг гапи қовушмади.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ёдгор уни ҳарчанд ранжитгиси келмаса-да, ёлғон гапиролмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *с.т.* Инкор маъносини кучайтиради; асло, ҳеч. *Ҳасанхоннинг панду насиҳатларини Зевархон қабул қилмади, ҳарчанд гапга қулоқ солмади.* «Баҳром ва Гуландом».

ҲАРЧИ *эск. кт. айн.* **ҳар қалай** *қ.* **ҳар**. Ҳар қалай, ишқилиб. *-Бозорлар яхшими? – Бир нави.. ҳарчи, тириклик тебраниб туради, ука.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАСАД [*а.* حسد – рашк; кўролмаслик, қизғаниш; суқ] Кимсага хос, унга тегишли нарса, фазилат ва ш.к. ни кўролмаслик, хуш кўрмаслик ҳис-туйғуси. *Ҳасад ва рашкдан ичи ёниб кетаётган бўлса ҳам, сохта бепарволик билан деди: ..бизлар сахий одам, бахтиёр бўлинглар.* Ф. Мусажон, Ҳури. *Жавондаги қимматбаҳо буюмларни кўриб, ҳасади қўзғалди.* «Муштум». *..бу икки донгдор меъмор ўртасида азалий бир яширин рашку ҳасад мавжуд.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Юрагида уйғониб ҳасад, Ич-этин еб, Қийналди беҳад.* С. Очил.

Ҳасад қилмоқ Ҳасад билан қарамоқ, ҳасадли муносабатда бўлмоқ. *Малика Ойқизнинг шундай баркамол йигитга тегаётганидан ҳасад қилмасди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Лабинг тегса, ҳасад қилгум Гилос бирлан узумдан ҳам.* Э. Воҳидов. *Бахтли одамларга ҳасад қилманг, ҳавас қилиб меҳнат қилсангиз, сиз ҳам бахтли бўласиз.* Газетадан.

ҲАСАДГЎЙ [*а.* + *ф.* حسدگوی – ҳасад гап айтувчи; ҳасад қилувчи] *айн.* **ҳасадчи**. *Ичи қора, ҳасадгўй киши ақлли ва талантли кишилардан ўрганиш ўрнига уларга бахиллик қилади.* Р. Усмонов, Одобнома.

ҲАСАДЛАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **ҳасад қилмоқ** *қ.* **ҳасад**. *Зайнаб унга* [*Кумушга*] *ҳасадланиб қаради ва кучланиб айтди: -Ҳали ёшга ўхшайсиз-ку.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Чавандоз қурғур, дунёнинг завқини билади-да, – ҳасадланиб гапирди Ёрмат.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАСАДЛИ Ҳасади бор, ҳасад ҳис-туйғули, ҳасад, рашк ифодаловчи. *-Таҳсин-таҳсин! – дейди Хатиб домла ҳасадли таажжуб билан, – тоза ҳам пулни қирдик, денг.. Таҳсин-таҳсин!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ҳасадли кишиларга асло дўст бўлмагил, кин-адоватли, ҳасадли киши дўстликка лойиқ эмас.* «Қобуснома».

ҲАСАДЧИ Кўролмаслик, ҳасад туйғуси кучли, ҳасад билан муносабатда бўлувчи шахс. *Ҳасадчи, кек-адоватли, бор бўлсанг – кўролмайдиган, йўқ бўлсанг – беролмайдиган шахслар ҳам дўстликка нолойиқдир.* «Фан ва турмуш». *Ҳасадчи ўзига ҳам яхшилик қила олмайди.* Газетадан.

ҲАСАЙНИ [*ф.* < *а.* حسینی – Ҳазрати Алининг иккинчи ўғли Ҳусайн номидан] Узумнинг ғужуми (донаси) ҳусайниникидан тўлароқ бир тури. *Нимранг тоифи, пуштиранг ҳасайни.. ҳар донаси ёнғоқдай келадиган каттақўрғон – ҳаммаси шиғил пишган.* С. Анорбоев, Меҳр.

ҲАСАНА [*а.* حسنه – хайрли, савобли иш; хайр, садақа, эҳсон]: **қарзи ҳасана** Устига фойда (фоиз) қўйилмайдиган қарз. *-Жуда яхши, – деди хўжайиннинг мақсадини англаган мирзо, – бу пулни қарзи ҳасана берасизми ёки урф-расмга мувофиқ фойда биланми?* С. Айний, Дохунда. *Мен сизга беш юз сўм қарзи ҳасана берганман, яъни ижара фойдаси билан қайтаришни шарт қилмай..* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАСАНОТ [*а.* حسنات – яхшиликлар, хайрли ишлар]: **қадамларига ҳасанот** «Хуш келибдилар», «пойқадамлари муборак» маъносида меҳмонни табриклаш учун миннатдорчилик ифодаси сифатида қўлланувчи ибора. *Э, қадамларига ҳасанот.. зап улуғ иш бўлибди-да, қайси шамол учирди*? «Муштум». *Келсинлар, келсинлар, қадамларига ҳасанот.* С. Зуннунова, Янги директор.

ҲАСИП Сўйилган қўй ёки қорамолнинг ичагига гўшт, жигар, қоратолоқ каби-

ларнинг қиймаси ва гуруч аралаштириб солиниб, қозонда қайнатиб ёки қасқонда димлаб тайёрланадиган таом. *Тансиқ таомларнинг масаллиғи ноёб хиллари ҳам бор, булар: оғиз оши, сўк оши, димлама ҳасип кабилардир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Рўзи полвон олдинига ёғлиқ яхна билан, сўнгра сих-кабоб ва ҳасип шўрва билан меҳмон қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Ҳасипи совиди Кўнгли совиди, ҳафсаласи пир бўлди. *Худой ҳаққи.. хумсаларингдан ҳасипим совиди..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ҲАСИПФУРУШ Ҳасип тайёрлаб сотувчи киши.

ҲАСРАТ [*а.* حسرت – қайғу, алам; дард, оғриқ; азоб чекиш; зориқиш, соғиниш] **1** Ички дард; дард-алам. *Бунёдга келгандан бери қайғу-алам аримаган бу кенг ҳовлида она-бола ўз ҳасратлари, аччиқ нолалари билан қолдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мақсадингни англат, Матпано! Кўринган одамга ҳасратингни айтиб, дунёдан йиғлаб ўтмоқчимисан?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кўз ёшлари ҳасратдан бужмайган юзларидан ва соқолларидан мўл-мўл оқаверади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Не ҳасратда Жуда қийинчилик(лар) билан, не машаққатлар билан. *Не ҳасратда обод қилган боғининг колхозга ўтиб кетишидан қўрқиш унинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Жуда-жуда хижолат бўлиб кетдим. Не ҳасратда йиққан.. пулини бузиб, мен учун харажат қилиб келди-я!* С. Аҳмад, Таъзим. **Ҳасратда ўт** *с.т.* Бирор иш-юмушдан ранжиш, уни маъқул кўрмаслик, шу ҳақда енгил койишни билдиради. *Ўқиб туриб кўрсатган кароматинг шу бўладиган бўлса, ўқимай ҳасратда ўт!* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Дард-алам, шикоят, нолиш кабиларни ифодаловчи гап-сўз. *Асад, қараса, холасининг ҳасрати тугамайдиган.* Ф. Мусажонов, Нозик масала. *У тўғралган сабзиларни мис товоққа сола туриб, ҳасратга тушиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Ҳасрат қилмоқ 1) дард-аламини изҳор қилмоқ. *Отам ўлди, эрим ўлди, дедим, йиғладим, ҳасрат қилдим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир; 2) бирор кимса ёки нарсадан зорланиб шикоят қилмоқ. *Пошша хола кўнгли чўкиб, уйига қайтди-ю, шу куни биринчи марта Дороббекка куёвидан ҳасрат қилди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Умрида бир нарсадан шикоят қилмайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўлда тута биладиган бу зийрак, нозиктаъб аёл билан мен келган масалада гаплашиш анча мушкул эканлигига ақлим етиб турарди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. **Ҳасратидан чанг чиқади** *қ.* **чанг** I.

ҲАСРАТЛАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **ҳасрат қилмоқ** *қ.* **ҳасрат**. *Кейингилар эса, масалан.. бир савдогар, ўзининг жуда фақирлигидан ҳасратланиб, закотдан озод қилинишини сўрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАСРАТЛАШМОҚ Бирор қийинчилик, ғам, ташвиш кабилар ҳақида ўзаро гаплашмоқ, шундай мазмунли суҳбат қурмоқ; дардлашмоқ. *Йигитдан юқорироқда ўрта ёшли икки деҳқон ўтирар, бу йил сабзи-пиёзнинг бозори касодлигидан ва уловсизликдан ҳасратлашар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хайрибиби.. Меҳрихонни қўмсаб, ҳасратлашиб ўтиришни истаб қолди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҲАСРАТЛИ **1** Дард-ҳасратга эга, ғамаламдан иборат. *..ҳасратли қора кунларини бу яқин орада ҳозиргидек эзилиб эсламаган эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қаршингда ҳасратли уйга толаман. Қачон халқ бўласан сен, эй оломон?!* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Дард-ҳасрат акс этувчи, дард-алам ифодали. *Лабларидан учади Ҳасратли фарёд.* Ғайратий. *Чой устида она Толибжоннинг қаршисига ўтириб, ҳасратли бир товушда деди: -Болам, билиб турибман, ичингда ўт ёняпти. Нима бўлди, айт!* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ҲАСРАТО: **во ҳасрато** [*ф.* + *а.* واحسرتا – эвоҳ, ҳайҳот, афсус] Қаттиқ афсусланиш, ачиниш ҳис-туйғусини билдиради; эвоҳ. *Олиб кенглар иккигина гўдагим, Во ҳасрато, ўчар бўлди чироғим.* «Эрали ва Шерали».

ҲАССА [*а.* عصاء – таёқ, асо, ҳасса] Қўлда тутиб, ерга тираб, таяниб юришга хизмат қиладиган махсус таёқ; асо. *Ёғоч ҳасса. Темир ҳасса. Кўр ҳассасини бир йўқотади.* Мақол. ▬ *Шу он Ҳасан сўфи халойиқ ичидан ҳассасига таяниб, олдинга чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кампир бир қўлида*

ҳассага, иккинчи қўлида Анорхонга суянганича қабристонга йўл олди. И. Раҳим, Ихлос.

ҲАССАКАШ [*а.* + *ф.* عصاکش – ҳасса тутиб, йўл бошлаб борувчи] *этн.* **1** Аза ёки тўйда эшик олдида туриб, келувчиларни кутиб олувчи ва кузатиб қолувчи киши.

2 Тобутни қабрга элтишда олдинда ҳасса тутиб борувчи киши. *Лопиллаб бораётган тобут, ярми тепада, ярми пастда қолиб кетган ҳассакашлар.. унинг кўз олдидан кетмас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҲАССОС [*а.* حسّاس – таъсирчан, ҳиссиётга берилувчи; сезувчан, сезгир] **1** Нарса-ҳодисанинг моҳиятини тез, тўғри ва тўла ҳис этувчи, бирор соҳа ёки соҳаларда ўта билағон, ўткир билимли ва сезгир. *Ҳассос шоир. Ҳассос санъаткор.* ▬ *Шоир ва ҳассос публицист Ғафур Ғулом тараққиёт душманларининг турли кўринишдаги найрангларини ўз шеърларида ўткир сўз билан фош қилди.* Газетадан.

2 *кўчма* Ўткир, сезгир. *Ундаги ҳассос қалб, қувликни билмайдиган соддалик, эплишудлилик.. аллақачонлар устозининг эътиқодини қозониб олган эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Унинг ҳассос қалами билан битилган шеър мисралари ипларга тизилган шодашода марваридлардир.* В. Абдуллаев, Шарқнинг улкан шоири.

ҲАСТИ *эск. с.т.* Ҳазрат. *Елкага рўмол ташлаб.. меҳмонхонага кириб келган Мавлавийга .. Мирзакарим ҳожи вофуруш густоҳлик билан арз қилди.* С. Абдулла, Мавлавий Мирсидиқнинг ижодлари.

ҲАТЛАМОҚ Нарса ёки жойнинг устидан қарама-қарши томонига ирғиб ўтмоқ; қадамлаб устидан ўтмоқ; сакрамоқ. -*Қани, тўйга юринг! – деди тоға зовурдан ҳатлаб ўтиб.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Давлатёр кўприкдан ўтмай, ариқдан ҳатлади, кутубхона эшиги олдида Саодатхон билан тўқнашди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Ғуломжон нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, қўшни дарчага икки ҳатлаб етиб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен икки дунёни бир ҳатлаб ўтиб, Оғзимга солганим – бор-йўғи толқон.* Э. Шукур, Ҳамал айвони. -*Мени шу ерда кутасан, – деди-да зинадан тез-тез ҳатлаб, бинонинг ичига кириб йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уч-тўрт ҳатлашда йигитчага етиб олди.* С. Нуров, Нарвон.

Остона (дан) ҳатламоқ Бирон жойга (уй, хона ва ш.к.) кирмоқ ёки ундан чиқмоқ. *Туғуруқхона остонасини ҳатлаб ўтган мўътабар аёл ўз тақдиридан кўра кўпроқ бўлажак фарзанд иштиёқи билан ўртаниб ёнади.* Газетадан. *Остонадан ҳатлаган меҳмон, Меҳмон бўлиб кел яна бир бор.* Б. Бойқобилов. *Чордевор, остона ҳатлаб, кўчага чиқмасдик..* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲАТТО [*а.* حتّی – -гача, қадар, то; ҳатто, ҳам] *юкл.* Ўзи боғланиб келган сўз, сўз бирикмаси ёки гапни айириб, унинг мазмунини алоҳида қайд этади, таъкидлайди. *Раимбек додхоҳ.. қатлидан сўнг сипоҳлардан руҳ тушди. Ҳатто Азизбекнинг буйруғига ҳам қулоқ солмай, тўс-тўсга қоча бошладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уйда ҳамма нарса ҳам унга ёт.. ҳатто онаси ҳам бегона каби.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲАТТОКИ *айн.* **ҳатто**. *Бири – доктор, бири – ҳамшира, Учса ҳамки ҳаттоки ўқлар, Ҳар жангчининг ярасин боғлар..* Ҳ. Пўлат. *..улар масжид ва мадрасаларга қўйилмасин.. ҳаттоки шаҳри Қўқондан чиқариб юборилсин..* К. Яшин, Ҳамза.

ҲАФРАНГ *с.т.* Ҳафтранг. *Навоий манқалга яқин, ҳафранг қоғоз тиззасида, қалами енгил қитирлаб, чиройли хатлар туширмоқда.* Ойбек, Навоий.

ҲАФСАЛА [*а.* حوصله – сабр, тоқат, чидам, ҳафсала] Иш-юмуш, ҳаракат ва ш.к. га бўлган майл, истак; иштиёқ. *Ҳафсаласи йўқ. Хат ёзишга ҳафсалам бўлмади.* ▬ *Бувинисо холанинг қўлидан супурги тушмайди, уйни, айвонни, ҳовлини ҳафсала билан қиртишлаб супуришни у яхши кўради.* Ойбек, Улуғ йўл. *Хайри ҳафсала билан пиёзни майдалаб тўғрарди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

Ҳафсала қилмоқ Ҳафсала билан киришмоқ, диққат, эътибор қаратмоқ. *Ҳафсала қилсам, икки кунда тугатаман.* ▬ *..буни Тошкентга боргач, бир ҳафсала қилсам, ўзгартираман.* Н. Фозилов, Шонли авлод. **Ҳафсаласи пир бўлмоқ** *қ.* **пир** II. *Раҳимдан ҳафсаласи пир бўлган Қўзибой шийпонга етгунча бир марта ҳам орқасига қарамади.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Мухбирнинг ҳафсаласи пир бўлди шекилли, дафтарини ёпди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҲАФСАЛАЛИ Ҳафсаласи бор, хоҳиш-истаги яхши. *Ҳафсалали йигит.*

ҲАФСАЛАСИЗ Ҳафсаласи, майл-рағбати йўқ. *-Заргаров.. ғайратли одам, — деди Ҳайдаров жуда кўпайиб кетган қоғозларини ҳафсаласиз варақлаб.* А. Мухтор, Бўронларда бордек халоват.

ҲАФТА [*ф.* هفته — етти кун, етти кеча-кундуз] Душанбадан якшанбагача (илгари — шанбадан жумагача) бўлган етти кеча-кундузни ўз ичига олган вақт ўлчов бирлиги; умуман, шунча кеча-кундуздан иборат бўлган вақт. *Ҳафтанинг иккинчи куни. Ўтган ҳафта. Дарс келаси ҳафтадан бошланади. Ишимиз яна икки ҳафтада тугайди. Кўришмаганимизга бир ҳафта бўлди.* ▬ *Унга ўғлидан ҳар ҳафта хат келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳожи ва Отабеклар яна бир неча ҳафта қолишга қистасалар ҳам бўлмай,* [*қутидор*] *узр айтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲАФТАЛАБ Бир неча ҳафта давомида. *Султонмуродга бир-икки соат дарс бермоқ учун у баъзан ўз уйида ҳафталаб китоб кўрар эди.* Ойбек, Навоий. *Ё ҳафталаб ёмғир қуяди, ё лоп этиб қор ташлайди..* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ҲАФТАЛИК 1 Ҳафтага мўлжалланган, ҳафта ичида бўладиган. *Ҳафталик йиғилиш. Тўгаракнинг ҳафталик машғулоти. Ҳафталик журнал. Беш ҳафталик таътил. Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик озиқ ол!* Мақол. ▬ *Кўрмайсизми ҳаром ўлгурни.. бир ҳафталик хашакни бир ейишда еб қўйибди.* «Муштум». *Батальон Н. шаҳри учун бўлган бир ҳафталик жангда фаол қатнашиб, шаҳарга биринчилар қатори кириб борди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *У бизнинг жўрабошимиз, ҳафталик тўкмамиз бор эди-да.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Бир ҳафта муддат ичида бўлиб ўтадиган бирор тадбир, иш. *Кўчат экиш ҳафталиги.* ▬ *Ўтказиладиган ҳафталик кишиларимизнинг маънавий ҳаёти юксалаётганини намойиш қилади.* Газетадан.

ҲАФТАФАҲМ Бирор нарсани дарров уқиб, тушуниб ололмайдиган, фаҳми калта; анқов, бефаросат. *Муллаваччалар зеҳни ўткирроқ шерикларини «хушфаҳм», зеҳнсизларини «ҳафтафаҳм» деб аташарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *-Қаердан билимдон бўлиб қолдинг, ҳафтафаҳм! — Али тажангнинг сарғиш мўйлови титраб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲАФТИЯК [*ф.* هفتيک — еттидан бир] Қуръоннинг еттидан бир қисм суралари танлаб олиб тайёрланган ва ўтмишда диний мактабларда хрестоматия вазифасини бажарган алоҳида китобча. *Мен Турбатда болаларга «Ҳафтияк», «Чоркитоб» ўқитиб, кунда беш вақт азон айтиб, имомгарчиликка ўтиб турдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ҳамма нарса болалар учун янги, қизиқ эди, чунки улар.. абжаддан, ҳафтиякдан бўлак китоб кўрмаган эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАФТРАНГ [*ф.* هفترنگ — етти хил ранг, камалакнусха] Турли рангда гуллар солинган, товланиб турадиган. *Буларга кийгизилган кийимлар ҳам Бухоро шоҳиси ва ҳафтранг бахмалдан тикилган шоҳона кийимлар эди.* С. Айний, Қуллар.

Ҳафтранг қоғоз *тар.* Ўрта асрларда Туркистон хонликларида косиблар томонидан ишлаб чиқариладиган яхши сифатли, ҳар хил рангли қоғоз. *Биз ўқувчиларга таништирмоқчи бўлган.. мажмуа ўрта настаълиқ хатида ҳафтранг қоғозга ёзилган бўлиб.. унда ўттиздан ортиқ шоирнинг шеърлари бор.* «ЎТА».

ҲАЧЧА *шв.* Айри (ёғоч), тиргак, тирговуч. *Тоға гоҳ қўлидаги сиртмоққа, гоҳ ҳаччага қараб турди-да, сўнг қўлини сирмади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ҲАШАМ [*а.* حشم — ҳурмат, эҳтиром; хизматкорлар, навкарлар] **1** Безаш учун ишлатиладиган нарса, буюм; безак. *Аравалар гумбур, отлар семиз, керакли анжомлардан ташқари, турли ҳашамлар билан безатилган.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Юзлаб улкан биноларнинг ички ҳашами, безаги у ишлаб чиқарадиган буюмларга муштоқ.* «Муштум». *Уй-жой қурмаган, латта-путта йиғмаган, машина, ҳашамларга ҳам хуши бўлмаган.* С. Нуров, Нарвон.

2 Уй, иморат ва ш.к. нинг безак ишлари ва б. ишлов, қурилмалардан иборат кўркли, салобатли, дабдабали кўриниши, ҳолати. *Рўзматов бизни ичкарига таклиф қилди. Кирдик. Ана клубу мана клуб. Кенглигини кўринг-у, ҳашамини томоша қилинг.* «Муштум». *Раис.. ўзининг иккинчи участкасига ҳашам бериш билан банд эди.* «Муштум». *Қарши шаҳрининг ҳашами, салобати, боғларининг сўлимлиги юқоридан [самолётдан] яна ҳам латофатли.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Тўй ва б. йиғинларга хос кўтаринки ҳолат; дабдаба, тантана ва буларни юзага келтирувчи нарсалар. *Олимбой ака энди тўю ҳашамларда илгаригидек катта гапирмас.. эди.* С. Аҳмад, Сайланма. *[Жамол хола] Ортиқча ҳашамга, исрофгарчиликка йўл қўймасди. Ана шуниси билан ёқарди маҳалладагиларга.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Рост, тўйнинг ҳашами ҳам оз эмасди, унга узоқ йил ҳозирлик кўриларди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ҲАШАМАТ [*а.* حشمت – камтарлик, уятчанлик; одоб, хушхулқлик; ҳурмат, эҳтиром] Дабдаба, савлат; кўтаринки, тантанали ҳолат. *Якшанба куни шаҳарнинг ҳашамати, кўрки яна ҳам улуғвор тус олди.* Газетадан. *Тантана, ҳашаматни севган Ҳусайн Бойқаро уйни тўлдирган ва улуғвор таъзим билан ўтирган.. оломонга фахрланиб қаради.* Ойбек, Навоий.

ҲАШАМАТЛИ Ҳашаматга эга; савлатли, дабдабали (асосан бино ҳақида). *Ҳашаматли уйлар. Ҳашаматли Санъат саройи.* ■ *Катта, кенг гулзорлар орасидан ўтиб, серпанжара, ҳашаматли бино олдида тўхтадилар.* Ойбек, Нур қидириб. *Олти ой олдин Аваз бу ҳашаматли боғни.. тарк этган эди.* С. Сиёев, Аваз.

ҲАШАМДОР [*а. + ф.* حشمدار – ҳашамли, ҳашамга эга] Ҳашаматли, серҳашам. *Ҳашамдор пештоқни кўтариб бошга, Азамат устунлар савлат тўкади.* З. Обидов. *Мадрасаю ҳашамдор кўкўпар бинолар ўша халқлар ва ўз юртидаги афкор омманинг қони эвазига тикланди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҲАШАМСИЗ Ҳашами, безаги йўқ; дабдабасиз. *Ўлсам менга ҳайкал қўйманглар, деган Улуғ Толстойнинг бир васияти бор. Шу сабабдан унинг муборак қабри Ҳашамсиз, ҳайкалсиз – оддий бир мозор.* Уйғун.

ҲАШАР [*а.* حشر – йиғин, тўда; йиғилиш, анжуман, *маж.* қиёмат] Бирор ишни бажаришда кўпчиликнинг ихтиёрий, беғараз иштироки, ихтиёрий кўмаги. *Халқ таомилига кўра, чойхоналар ҳашар йўли билан қурилади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бизнинг қишлоқда бувамнинг уйлари ҳашар билан қурилгани эсимда.* И. Раҳим, Қадриабад одамлар. *Шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктлардаги ариқларни ҳашар йўли билан тозалашни уюштириш даркор.* Газетадан.

Ҳашар қилмоқ Ҳашар ташкил қилмоқ, ҳашарда қатнашмоқ. *От чоптириб, элдан уста йиғинглар, Элдан ҳашар қилиб, ғиштлар қўйинглар.* «Юсуф ва Аҳмад». *Қиш бўлсаям ҳашар қилиб, ҳовлини созлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҲАШАРОТ [*а.* حشرات – қурт-қумурсқа; газандалар] Пашша, ари, капалак, чумоли каби майда умуртқасиз бўғимоёқли жониворлар. *Илонлардан ташқари турли хил ҳашаротлар – бешиктерватар, қора чигирткa, ниначи ва бошқалар ҳам ўз ривожланиши давомида қобиғини янгилайди.* «Фан ва турмуш». *Чигирткаларнинг чириллаши, кеча ҳашаротларининг наъмаси кучли шамол товуши билан кесилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲАШАРОТХЎР [*а. + ф.* حشرات‌خور – ҳашарот еювчи] Ҳашарот еювчи. *Ҳашаротхўр жониворлар.*

ҲАШАРЧИ Ҳашарда қатнашувчи, ҳашар қилувчи. *Ҳар йили пахта йиғим-теримида кўплаб шаҳарлик ҳашарчилар иштирок этадилар.* Газетадан. *Уч кундан бери ёмғир ёғиб, ҳашарчилар ишга чиқмай зерикиб қолишганди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Эртаси кун полизга бир неча ҳашарчи йигитлар келишди.* Н. Ёқубов, Полизда.

ҲАШ-ПАШ: ҳаш-паш дегунча Озгина вақт ичида; тезда, бирпасда. *Ҳаш-паш дегунча соат бир бўлди.* ■ *-Бугун кабобни ўхшатган экан, ҳаш-паш дегунча саккиз сихини еб қўйибман, – деб мақтанди Мараҳим.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Уч йил ҳаш-паш дегунча ўтиб кетибди-я!* Уйғун, Ҳуррият. *Бир зумда барча қиз ишга тушиб кетди. Ҳаш-паш дегунча ҳовли чиннидек ярақлатилди.* Ё. Шукуров, Уч савол.

ҲАШТАК *шв.* Мўри. *..Ҳалигача жим турган ошхона ҳаштагидан тутун чиқа бошлаган эди.* С. Айний, Қуллар.

ҲАШТИЯК [*ф.* هشتیک – саккиздан бир] *тар.* Вафот этган кишидан қолган мероснинг саккиздан бири (буни шариат қонунига мувофиқ, марҳумнинг хотини олар эди). *Рўза тутдим хатм учун, Қорига мен хасм учун, Тушганидан ҳаштияк Тортиб олмоқ расм учун.* Ҳамза.

ҲАЯЖОН [*а.* هیجان – ғалаён, туғён; изтироб, ташвиш, безовталик; ғазабланиш; куйикиш] Бирор фавқулодда иш, ҳодиса ва б. сабабдан ички тўлқинланиш, безовта

ҳолат; безовталик. *Кўнглида ифодасиз бир умид, ҳаяжон ила ўша дилхуш рўёнинг такрорланишини интиқ бўлиб кутади.* С. Сиёев, Аваз. *Қиз даҳлизда, эшик орқасида кучли ҳаяжон ва саросимада турган Гулнорни қучоқлади, секин шивирлади: -Қайғурманг, опажон.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шербекда уйғонган руҳий кўтаринкилик чеҳрасини ёритиб, аъзойи бадани ҳаяжондан титради.* С. Анорбоев, Оқсой.

Ҳаяжонга келмоқ *айн.* **ҳаяжонланмоқ.** *Кекса чўпон, кесилган икки қулоғи ва бурнига куйдирилган намат босиб, сизиб оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қилар эди. Кутилмаган бу фожиадан ҳаяжонга келган одамлар унинг атрофини ўраб олдилар ва устма-уст савол ёғдира бошладилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ҲАЯЖОНЛАНМОҚ Ҳаяжонга тушмоқ, ҳаяжонли ҳолатда бўлмоқ. *Мусофир ҳаяжонланиб йиғлаб, Меъморга қай йўл билан ташаккур айтишни билмасди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У қўлларининг қалтираётганини яширишга уринар, унга сайин баттароқ ҳаяжонланарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Инобат ҳаяжонланар, ёниб турган кўзлари яхшиликдан дарак берарди; у эрига тикилди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин.

ҲАЯЖОНЛИ 1 Ҳаяжонга тушган ҳолатли. *Ҳамза негадир ҳаяжонли, асабий кўринарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Безовталик, ҳаяжон ифодали. *Мирзакаримбой ҳаяжонли, титроқ товуш билан қизига фотиҳа бериб, соқолини силади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Полвонларнинг бирига муҳаббат, иккинчисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё кураши акс этгандек эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..унинг кўзлари беқарор, хурсанд ва ҳаяжонли эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Кишини ҳаяжонга соладиган, тўлқинлантирадиган. *Ҳаяжонли фильм. Ҳаяжонли асар.* ▬ *Тақдир хотиралари, ўтмиш қисматининг ҳаяжонли воқеалари қалам тебратишга имкон бермасди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Хонага ҳаяжонли сукунат чўккан, салқин эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҲАЯЛ: ҳаял ўтмай Озгина вақт ўтмай; тезда. *Ҳаял ўтмай етиб келди.* ▬ *Турғуной шу ерга ўзини ташлаб, ҳаял ўтмай уйқуга кетди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Ҳаял ўтмай кўчадан унинг шанғиллаган овози эшитилди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳаял ўтмай ёрдамчи кирди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ҲАЯЛЛАМОҚ *айн.* **кечикмоқ**. *Бир соат ҳаялладинг.* ▬ *Кел, болам, отни тез мин, йўлга равона бўл, асло ҳаяллама.* «Равшан». *Ҳаяллаб кетганингизга, бир бориб хабар олиб келай-чи, деб келдим.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Набижонов анча ҳаяллаб машинани олиб келди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр.

ҲАҚ(Қ) [*а.* حق – тўғри, рост, чин, ҳаққоний; ҳуқуқ; адолат; *маж.* худо] **1** Ҳақиқий ҳолатга мос; ҳаққоний, рост. *Ҳар замон «ҳақ гап», «тўғри» деган товушлар эшитилар, қарсак кўтарилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳақ гапни гапирдингиз, амирзодам, жуда ҳақ! Она рози – худо рози..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳаққин айтсам, ота-энам ҳозир бор..* «Эрали ва Шерали».

2 Ҳақиқий ҳолат; ҳақиқат. *Ҳақ жойига қарор топди.* ▬ *Шўх, ерга урса булутга сакрайдиган, ҳаққа бўйин эгиб, ноҳаққа сакраб кетадиган Сарсенбойнинг ор-номуси зўр эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *..гулзору вайрона, ханжару андава.. ҳақу ноҳақ ёнма-ён турибди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳақиқат эртакка эврилур эрта, Эртага афсона ҳаққа дўнади.* «Шарқ юлдузи».

3 Шахс билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, ҳақиқатнинг шу сўз билдирган шахс томонида эканини билдиради. *Мен ҳам, Султонов ҳам ҳақ бўлиб чиқдик.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Маҳкам Зикир билан тўқнашувда ўзининг ҳақ эканлигига ишончи комил..* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳар касбдаги одамлар хат ёзишибди-ю, аксарияти Собирни ҳақ, хотинини ноҳақ, деб кўрсатишибди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 Бирор нарса, иш-ҳаракат учун қонуний бўлган, талаб, тартиб-қоидага тўғри келадиган асос, эрк-имконият; ҳуқуқ. *Унинг пенсия олишга ҳақи бор. Сизни айблашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.* ▬ *Раиснинг мағрурланишга ҳақи бор. Пахта – ўзбек халқининг миллий ифтихори.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Аҳмад ҳали ўзини Раҳим акалар қаторига қўшишга ҳақи йўқ деб ҳисоблар, хиралик қилмай, ўзини четга тортиб юрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Музаффар зотларга мо-*

там ножоиз, Уларнинг ҳаққидир фақат ифтихор. А. Орипов, Юртим шамоли.

5 Ҳуқуқ, қонун ва ш.к юзасидан бирор кимса ёки нарсага тегишли ҳисса, тўланадиган ёки олинадиган нарса. *Электр ҳақи. Квартира ҳақи.* ▬ *Кўринишдан шундай мўмин, гўё бузоқнинг ҳақи бор, деб сигирнинг сутини ичмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Миша, берган сутим ҳақи қутқар, ўламан!* «Муштум». *Завод Ғиёсиддин тилмочнинг номига ўтган, оқсоқолнинг унда энди қонуний ҳақи йўқ.* С. Аҳмад, Ҳукм.

6 Иш, меҳнат, хизмат эвазига тўланадиган, олинадиган пул ёки бошқа нарса. *Хизмат ҳақи. Иш ҳақи.* ▬ *Акамни шунча йил ишлатиб, ҳақини бермадингиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Очдан ўлмаслик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақига бир коса кепак олиб, нон қилиб еган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Одамларни ишлатиб ҳақ тўлаш, иншоот учун ғишту ганч, ёғочларни келтириш унинг зиммасида.* Мирмуҳсин, Меъмор.

7 *дин.* Худо, оллоҳ, тангри, парвардигор (худонинг сифатларидан бири). *Ҳақ таоло.* ▬ *Боргин, эмикдошим, ҳаққа топширдим!* «Алпомиш». *Оҳ тортсам, тўкилар кўзимнинг ёши, «Ҳақ!» деб чиқар ғамли қулнинг товуши.* «Рустамхон».

8 (*3-ш. эгалик шаклида* – **ҳақи, ҳаққи**) Бирор гап, фикрнинг ўзи боғланиб келган сўз англатган шахс, нарса ва ш.к. ни ўртага қўйиб айтилаётгани маъносини билдиради. *Қўйинг!.. Худо ҳақи, тегманг!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мана шу Қуръон ҳақи, йўлдан озганларни қатл қилиш.. савоби азимдир.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Муқаддас замон ҳаққи, ёқа тутиб айтаман: Қанийди куйлайверсанг ҳамиша бахтни тўлиб.* А. Орипов, Юртим шамоли.

9 (*эгалик ва ў.-п. к. шаклида* – **ҳақида**) *кўм. взф.* Қаратилганлик муносабатини билдиради; тўғрисида, тўғрида. *Пахта планининг бажарилиши ҳақида маълумот. Обҳаво ҳақида маълумот. Мажлисда сен ҳақингда яхши гаплар айтилди.* ▬ *Фронт газетасида Ҳасанов ҳақида ёзилган бир хабар ҳамиша чўнтагимда.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Ҳақ деб Бирор нарсанинг юз бериши, амалга ошувини кутиш, илинжида бўлиш ҳолатини билдиради. *..уйига келса-ю, кўча эшикда ҳақ деб ўтирган раҳматлик онасига йўлиқса.. она унга савағич олиб югурса, нима бўларди?* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Фашистнинг снайпери ҳам қудуқни нишонга олиб, тун-кун ҳақ деб кутарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҲАҚГЎЙ [*а. + ф.* حقّگوی – ҳақ сўзни, ҳақиқатни айтувчи] Ҳақ сўзни айтувчи, тўғри сўзловчи; ростгўй. *Рост гапни айтганларни иғвогар, ёлғон гапни айтганларни, лаганбардорларни ҳақгўй десангиз, ҳақиқат қаёқда қолди.* Уйғун, Асарлар. *У ҳақиқатни тилга кирита олди, ҳақгўйлар қалбига йўл топа олди.* Газетадан.

ҲАҚГЎЙЛИК Ҳақгўй бўлиш, ҳақгўй кишига хос хислат, хусусият. *-Извош ўзиники бўлса, шунақа кийим киймасди, – болаларча ҳақгўйлик билан тушунтирди иккинчи бола.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳукмдор қанчалик оқил ва одил бўлса.. уламо, фузало ҳам ҳақгўйликка шунчалик юз тутади.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ҲАҚДА *кўм.* Асосан, кўрсатиш олмошлари билан қўлланиб, ҳаракат ва объект муносабатларини кўрсатади; тўғрида, борада. *Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун, маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилинди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шу ҳақда гап борганида, Элмурод Сайфуллани эсга олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲАҚДОР [*а. + ф.* حقّدار – ҳаққи бор, ҳуқуқдор] Маълум ҳақ-ҳуқуққа, мас., мол-мулкка эгалик ҳуқуқи бор (шахс); ҳақли. *Ҳақдор киши.*

ҲАҚИР [*а.* حقير – разил, қабиҳ, жирканч; тубан, паст; қадрсиз; хор] **1** Ҳеч ким иззат-ҳурмат қилмайдиган; қадрсиз, хўрланган. *Сиз каби улуғ одам мендек фақир ва ҳақир мусофирни мамнунлик билан кутиб олгани учун бошим осмонга етди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Ғуломжон.. ҳақир ота ёнида кўз ёшларини юм-юм тўкиб турган бахтсиз болаларнинг яланғоч, озғин баданига қараб, юраги эзилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Ўзини ҳаммадан паст оладиган, камтар банда. *Ҳақирингиз хизматга тайёр.*

ҲАҚИРЛИК Ҳақирларга хос ҳолат, яшаш тарзи. *..бири фақирлик ва ҳақирлик захрини ютса, бири жудолик ўтида ёнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАҚИҚ [*а.* عقيق – ақиқ; бир қанча қимматбаҳо тошларнинг умумий номи] **1** *от*

Қизил, қирмизи рангли қимматбаҳо тош. *Унинг ўнг қўлининг синчалоғида ҳақиқ кўзли узуги бор.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Улуғбекнинг қабри устига ажойиб ҳақиқ, марварид тошлар қўйилган.* А. Толибов, Ўзбек мармари. *Марҳамат пиёлани қўлга олиб, унинг ичидаги қип-қизил, ҳақиқ сингари виноға тикилди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

2 *сфт.* Қизил рангдаги; қизил, қирмизи. *Унинг сурма кўзлари, қайрилма қошлари чимирилган бўлса ҳам, ҳақиқ лабларида табассум мавж урар эди.* Ойдин, Эр юрак. *Ўша анор донасидай ҳақиқ юз, ўша тим қора кўз, ўша жозибадор табассум ҳамон ўтган кунларни эслатиб турибди.* И. Раҳим, Ихлос.

ҲАҚИҚАТ [*а.* حقيقت – чинлик, ростлик, тўғрилик; чин, тўғри гап; туб маъно] **1** Чиндан ҳам бўлган, воқеликка мос ҳолат, нарса. *Ишга келганидан бери энди битта жиддий топшириқ олди, ҳақиқатни айтмаслик гуноҳ.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Инсон бахти меҳнатда эканлиги айни ҳақиқат.* Газетадан. *Дейдилар: ҳар замоннинг бордир ўз тарозуси, Оҳ, нақадар рост эрур ушбу буюк ҳақиқат.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 Маълум тартиб-қоида, қонунларга мос иш, хатти-ҳаракат, ҳолат; ростлик, тўғрилик. *Халқ афсоналарда ўз орзу-умидларини, юрак нидосини.. яхшилик ва ҳақиқат учун курашни ифодалаган.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Қаҳрамонлар ҳақида очерк ёзиш учун уларни қидириб топиш, саргузаштларни ҳақиқат, адолат тарозисида тортиб кўрмоқ керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Ҳақиқат қилмоқ Ҳақиқат, тўғрилик юзасидан иш тутмоқ. *Ҳоким тўра ҳақиқат қилсин. Боламни чақириб, ўзи сўрасин!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳазрат ҳақиқат қилиб, салтанат пулини ўғирлаётганларни жазолайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *флс.* Киши онгида воқеликнинг, объектив борлиқнинг ҳаққоний, тўғри акс этиши.

4 Ростлиги фанний йўл билан исботланган, тажрибада синалган ҳолат, ҳукм, фикр. *Мана шу соддагина ривоят замирига санъатнинг моҳияти ҳақидаги улуғ ҳақиқат сингдириб юборилган.* «Ёшлик». *Мен Мирзо сўзига амал қиламан, унинг гапида ҳақиқат борлигига дилим ишониб турибди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 *дин.* Илоҳиятни (худонинг борлигини) ўз-ўзидан англашиладиган, исбот талаб қилмайдиган, шубҳадан ташқари, аниқ бир ходиса деб тушуниш.

ҲАҚИҚАТАН [*а.* حقيقتاً – чиндан, ҳақиқат, ростлик жиҳатдан] Рости билан; ростдан, чиндан. *Бошлиқнинг авзойи ҳақиқатан ҳам ташвишли эди.* Н. Аминов, Суварак. *Ҳақиқатан ҳам Аҳмаднинг мақолани ўқишдан бўлак қиладиган иши йўқ эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳақиқатан ҳам унинг шеър ёзишига жиддий сабаб бор эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҲАҚИҚАТГЎЙ [*а. + ф.* حقيقتگوی – ҳақиқатни, рост гапни айтувчи] Ҳақиқатни, ҳақ гапни, тўғри сўзни гапирувчи, ростгўй. *Аввалги оққўнгил, ҳақиқатгўй, камтар Камолдан асар ҳам қолмабди.* Уйғун, Дўстлар. *Ҳа, қўрсроғ-у, лекин ҳақиқатгўй чол ўзи.* С. Нуров, Нарвон.

ҲАҚИҚАТДА 1 Аслини олганда, аслида (эса); амалда. *Қишлоқилар сиз билан менинг кўзимга «анойи» кўринсалар ҳам, аммо ҳақиқатда ундай эмаслар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Шоир соддагина чодирда зотан тинч яшагандек кўринса ҳам, ҳақиқатда.. қўшинни мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди.* Ойбек, Навоий.

2 *айн.* **ҳақиқатан**. *Уф, ҳақиқатда хотинларни очиш ҳамоқатлик экан..* Ҳамза, Танланган асарлар. *Ҳақиқатда, бошқа қардош халқлар фарзандлари қатори, ўзбек ўғлонларининг салмоқли ҳиссалари бор.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲАҚИҚАТПАРАСТ [*а. + ф.* حقيقتپرست – ҳақиқатни ёқловчи, ҳақиқатгўй] *кт.* Ҳақиқатга амал қилувчи, адолат билан иш тутувчи.

ҲАҚИҚАТПАРВАР [*а. + ф.* حقيقتپرور – ҳақиқатни ёқловчи, ҳақиқатпараст] *қ.* **ҳақиқатпараст**. *Ҳатто Алишер Навоийдек ҳақиқатпарвар шоир ҳам замоннинг талаби билан бу тантанавор услубдан зарур пайтда фойдаланган.* П. Қодиров, Тил ва эл.

ҲАҚИҚАТСИЗЛИК Ҳақиқатга амал қилмаслик, ноҳақ иш тутишлик, адолатсизлик. *Аҳоли ғалаёнга келди, қўрққанидан эмас, зулмга, зўрликка, ҳақиқатсизликка чидамаганидан ғалаёнга келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАҚИҚАТЧИ Ҳақиқатга амал қилувчи; одил. *Ҳақиқатчи судья. Фирибгар ёндиради, ҳақиқатчи қондиради.* Мақол.

ҲАҚИҚИЙ [*а.* حقیقی – чин, рост; асл, ҳаққоний] **1** Чиндан ҳам бор, чиндан бўлган; асл, ҳаққоний. *Ҳақиқий аҳвол. Ҳақиқий воқеа. Ҳақиқий факт. Ҳақиқий ҳодиса.* ▬ *Ҳожи хола ўзининг кимлигини кўрсатадиган ҳақиқий саргузаштини шу ерда яшириб, ёлғон айта бошлаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳақиқий фамилияси-чи? Шуни айтинг!* К. Яшин, Ҳамза. *Дадам ноёб усул яратиб, ҳақиқий инсондан фарқ қиладиган сунъий одам – биороботни вужудга келтирибдилар.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Ўз номи, унвони ва ш.к. га тўла муносиб, лойиқ. *Ҳақиқат учун курашибди, ҳақиқий инсон экан дадангиз.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳақиқий олим шуҳрат учун эмас, ҳақиқат, фан равнақи учун курашади.* Р. Усмонов, Одобнома.

3 Чин маънодаги. *Аммо ҳақиқий қиш биринчи қор ёққанда билинди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳақиқий ҳаёт меҳнатдан бошланади, меҳнатли ҳаёт гўзалдир.* Газетадан. *Ҳақиқий муҳаббат олдида ҳеч қандай ғов дош беролмаслигига ишонтиришим керак эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ҳақиқий дўстда инсоннинг энг яхши хислатлари мужассамлашган бўлади.* Газетадан.

ҲАҚЛАМОҚ: тузини ҳақламоқ *айн.* **тузини оқламоқ**. *қ.* **туз** I **4**. *Омин дегин, қўлинг кўтар, отажон, Хизмат қилиб, ҳақлаб келай тузингни.* «Хушкелди». *Аё соқи, сен тузимни билмадинг, Тузим ҳақлаб, менга хабар қилмадинг.* «Нурали».

ҲАҚЛИ 1 Ҳақи бор, ҳақ-ҳуқуққа эга. *Ҳаёти мобайнида икки туп ниҳол экиб ўстирган инсон ўз умрини мазмунли ўтди, деб ҳисоблашга ҳақлидир.* Газетадан. *Ҳар бир фожиага, ҳар бир шарафга Нисбат бермоққа ҳам ёлғиз сен ҳақли!* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

2 *айн.* **ҳақ 3.** *Сиз ҳақлисиз, аммо ихтилофни тинчлик йўли билан ҳал қилайлик.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ҳар жиҳатдан қараганда ҳам, сиз бу масалада ҳақлисиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Асосли ва ўринли, тўғри. *Бинокорларни ҳақли равишда кашшофлар дейишади.* Газетадан. *Нега машъал жамоа орқада қолаётир, деган ҳақли савол туғилади.* Газетадан.

ҲАҚОРАТ [*а.* حقارت – пастлик, разиллик, тубанлик; пасткашлик; таҳқирлаш] **1** Кишининг ор-номуси, шахсиятини пастга урадиган, таҳқирловчи маъно-мазмунли сўз, гап. *Тўлқинжон буни дарров пайқади, кўзини яшириб, оғзидан чиқиб кетай деган ҳақоратни «қулт» этиб ютди.* Ф. Мусажон, Ҳури. *Абдубилол энди йиғлаб, оғзига келган гапни қайтармади, аламидан акасининг юзига тупурди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Шундай маъно-мазмунли муомала, хатти-ҳаракат, ҳолат. *У [ўқувчи бола].. ловуллаб турган қулоғини ушлаганча, Ҳожига қаради ва бисотидаги энг оғир, энг даҳшатли ҳақоратни ишлатди, яъни «тарбиясиз!» деди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Асал хола ўғлининг ичмаслигини биларди, терговчининг бу гапи ҳақорат бўлиб туюлди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Ғуломжон столдаги нонларга қараб, кўнгли бузилди. Унинг соф ниятига бу бир ҳақорат бўлса ҳам, одамларнинг маърифат учун оғзиларидаги ошларини беришга тайёр эканликларини ўйлаб, Матқовул камбағалга раҳми келиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бизнинг майда-чуйда ҳокимларимиз бирлаша олмагани туфайли, катта кучга эга бўлган истилочининг ҳамласига дош беролмадик.. хотинларимиз, қизларимиз олиб кетилди. Бундан ортиқ ҳақорат борми, Меъмор?!* Мирмуҳсин, Меъмор.

Ҳақорат қилмоқ *айн.* **ҳақоратламоқ**. *Сиз бўлсангиз, «мешчан», деб ҳақорат қилдингиз уларни.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳа, мени ҳақорат қилган тилларинг узилсин!* Д. Нурий, Осмон устуни. *Баҳсда қизишган, бақирган, қарши тарафни ҳақорат қилган одам доим ютқазади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҲАҚОРАТЛАМОҚ Кимса шаънига ҳақоратли гап, сўз айтмоқ, ҳақорат бўладиган иш, хатти-ҳаракат, қилиқ қилмоқ. *-Ия, ҳа, бошқа билан қовушдик денг, – у кўзини қисиб, қизни ҳақоратлашга оғиз жуфтлади.* Ф. Мусажон, Ҳури. *Бу ўткинчи беш кунлик дунёда биз ёқалашамиз, қон тўкамиз, бир-биримизни ҳақоратлаймиз..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲАҚОРАТЛАНМОҚ Ҳақоратламоқ фл. ўзл. н. *У ҳақоратланган, камситилиб, бетига*

туфланган одамдай кўкрагини кўтаролмай ётди. Мирмуҳсин, Умид.

ҲАҚОРАТЛИ Ҳақорат мазмунли, ҳақорат бўлувчи; таҳқирли. *Ҳақоратли сўз. Ҳақоратли муомала.*

ҲАҚОРАТОМУЗ [*а. + ф.* حقارتآمیز – ҳақорат тарзидаги, таҳқирловчи] Қўпол, ҳақоратга ўхшаб кетадиган. *Ўзининг ҳақоратомуз кинояларига яраша дадиллик билан жавоб қайтаргани учун* [*Қаландаров*] *Саидани «Йўқол!» деб идорадан ҳайдаб солади.* А. Қаҳҳор, Синчалак. *Ҳодий маҳбуснинг ҳақоратомуз гапига жаҳли чиқди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲАҚПАРАСТ [*а. + ф.* حقّپرست – ҳақни, ростликни ёқловчи] *айн.* **ҳақиқатпараст**. *Ижод аҳлига кундай аён: Абдулла Қаҳҳор адабиёт тақдири учун қайғурган ҳақпараст адиб эди.* Газетадан.

ҲАҚРАҲА [*ф.* حقّرهه – ҳақли йўл; кимсанинг ҳақи бўлган йўлак] **1** Қўшнининг ери, ҳовли-жойидан ажратиб олинган йўл. *Қўшнига ҳақраҳа бермоқ.*

2 Йўлнинг хонадон эшиги олдидаги қисми. *-Фуқаро! Ҳозирдан бошлаб ҳар ким ўз қўрғон ва ҳақраҳаларини супуриб, тозалаб, сув сепиб қўйсин! – жар солди Қулаҳмад оға.* Мирмуҳсин, Чўри.

ҲАҚРОСТ [ҳақ(қ) + рост] Бирор фикр, айтилган гап ва ш.к. нинг ростлигини, тўғрилигини қайд этади, ҳақиқатан тўғри. *Айтинг-чи, оға, Николайдан қутулдик, бу ҳақрост, лекин оқибат нечук бўлар экан?* Ойбек, Улуғ йўл. *Мол оласи сиртида, одам оласи ичида дейдилар. Ҳақрост!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ҲАҚСЕВАР Ҳақни севувчи, ҳақ ишни, ҳақиқатни, адолатни севувчи. *Ҳақсевар одам. Ҳақсевар миллат.*

ҲАҚСИЗ 1 Шахсан ҳақи йўқ. *..югуриб бориб, қўлидан тутгиси, «мен сени соғиниб кетдим, ахир» дегиси келар, аммо.. бундай қилишга ўзини ҳақсиз, деб билар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кам қўлл.* Ҳақ тўламай, текин. *Мамлакатни обод қилиш баҳонаси билан 1824 йилда Қўқон косибларини ҳақсиз – муфт ишлатиб, янги раста қурдирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *кам қўлл. айн.* **ноҳақ**. *Худо ҳақни ноҳақ қилмади, бечора ёш йигитнинг ҳақсиз қони тўкилмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сўйла энди, кўп ҳақсиз Оққан ёшлардан..* Ғайратий. *-Ҳақсиз жазо! – деб Отабек кулумсираб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 *эск.* Бирор нарса қилиш ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлган, маҳрум этилган. *Бир вақт шўрога сайлов олдида ҳақсизлар рўйхати қишлоқ кўчаларига ёпиштириб қўйилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бир кун келиб, юпун, ҳақсиз қора халқ бошини тик кўтаришига, кўзларини ишқалаб, асрий уйқудан уйғонишига умид боғлади.* С. Сиёев, Аваз.

ҲАҚСИЗЛИК 1 Ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилган, ҳақ-ҳуқуқ топталган ҳолат. *Бу қандай кун, бу қандай ҳақсизликки, сенинг инон-ихтиёрингга ҳам чанг солиб, сенинг номингдан бошқаларнинг никоҳига ҳам розилик бераверишади.* К. Яшин, Ҳамза. *Менинг бошимга ҳақсизликлар, ҳақоратлар, хўрликлар тушгандан кейин.. оқ-қорани анча таниидиган бўлдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ноҳақ иш, хатти-ҳаракат; ноҳақлик. *Подшонинг мардикор олиш тўғрисидаги фармони устида сўз қўзғаларкан, халқ ҳар хил жабр, зулм, ҳақсизликлардан аччиқ шикоят қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жаҳон тинчлигига хавф солса биров, Ҳақсизлик юз берса, қололмайман жим.* Уйғун, Ҳаёт чақиради.

ҲАҚҚАСТ [*а. + ф.* حقّاست – ҳақ эканлик, ҳақлик]: **ҳаққаст рост 1** *айн.* **ҳақрост.** *Ҳайдар.. чой хўплар экан, кўнглига келган фикрларни* [*онасига*] *гапириб берди. -Ҳаққаст рост, – деди Содиқа хола ўғлининг сўзини эшитиб.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 Суҳбат вақтида бирор киши аксирса, айтилаётган фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ишлатилади. «*Навоийнинг дили билан халқнинг дили ҳамиша пайванддир».. Шу вақтда кимдир, бурунаки отгандек, қайта-қайта апшурди* [*аксирди*]. *«Ҳаққаст рост!» – бўёқчига қаради чол.* Ойбек, Навоий.

ҲАҚҚОНИЙ [*а.* حقّانی – ҳуқуқ ва ҳуқуқшуносликка, адолат, ҳақиқатга оид] **1** Ҳақиқатга тўғри келадиган, асл ҳолатига мос, мувофиқ. *Энг асосий гап ҳаётни ҳаққоний, у қандай бўлса, шундай акс эттиришдадир.* Газетадан. *Юрагидагини тўкиб солаётган қизнинг ҳаққоний сўзлари Шерзод Қамбаровичга оғир ботарди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Матбуотда халқ ҳаёти ва*

қишлоқ аҳволига доир ҳаққоний бир сўз ҳам йўқ. Ойбек, Нур қидириб.

2 Ҳақ, асосга эга; асосли, ҳақли. *Ҳаққоний танқид — ишдаги нуқсонларни бартараф этишнинг таъсирчан воситаси.* Газетадан. *Китобхонлар нашриётлар олдига катта ва ҳаққоний талаблар қўйишяти.* Газетадан. *Шу ўринда ҳаққоний савол туғилади.* «Шарқ юлдузи».

ҲАҚҚОНИЙЛИК Ҳаққоний ҳолатга, ҳақиқатга мослик. *Бу ўринда драматург, шахслар ва ҳодисалар ҳаётда қандай бўлса, унинг ўзидай акс эттириб, бадиий ҳаққонийликка эришади.* «ЎТА». *Гавҳар хаёлида бирлаштира олмаётган икки ўтли истак — отасига ёрдам бериш, айни вақтда, ўз идеалларига содиқ қолиш истаги — ҳаққонийлик масаласига келиб бирлашди-ю, ҳаяжонидан эти жимирлаб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҲАҚҚОНИЯТ [*а.* حقّانيّت — адолат, одиллик; ҳақиқат қилиш; ҳуқуқшунослик]: **1** *айн.* **ҳаққонийлик**. *-Бу катталаринг баъзи вақтда ҳаққониятдан чизи тойиб кетади, — деди Али тажанг жиддий, — қани, кўрамиз!* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *айн.* **ҳақиқат**. *Бу ҳаққониятга тўғри келади. Ҳаққониятга зид хулоса.*

ҲАҚҚУВ *айн.* **ҳаққуш.** *Каптарлар ҳалқа бўлиб, ҳаққувлар ҳақ-ҳақ деб, қумрилар дўст тортиб.. боққа оройиш бериб, нағмасозлик бир муносиб ярашиб турибди.* «Равшан».

ҲАҚҚУШ Узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оиласига кирувчи парранда. *Аввали бу бойўғли эмас, ҳаққуш, қўрқма.* А. Қаҳҳор, Мастон.

ҲАҲ *унд. с.* Норозиликни, дўқ-пўписа ва ш.к. ни ифодалайда. *Ҳаҳ, ҳали оқибат шуми? Ҳаҳ, чўчитвординг-ку! Ҳаҳ, ҳали қараб тур, адабингни ейсан!* ▬ *-Ҳаҳ! Сен ҳали менинг шоирлигимни назарингга илмадингми! — деб* [*подшо*] *афандини уч кун отхонага қамаб қўйишни буюрди.* «Латифалар».

ҲА-ҲА *унд.с.* **1** Бирор иш-ҳаракатга ундаш, қисташ маъноларини ифодалайди. *Ҳа-ҳа, тез бўлинглар! Ҳа-ҳа билан деворни тикка қилиб олдик.* ▬ *Кўришмасдан илгари Жондор уларнинг ҳаммасига кичик стаканларда май қуйиб тутди, «ҳа-ҳа, тарала» билан тик туриб ичишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн.* **ҳа** II **2**. *-Ҳа-ҳа, — деди Ольга Петровна ажаблангандек. — Бувингнинг оти нима? -«Бувим», — деди Тўтиқиз ишонч билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲАҲАЛАМОҚ 1 Ҳайвонларни юргизиш, тезлатиш учун «ҳа», «ҳа» деган овоз чиқармоқ, бақирмоқ. *Мўрдак арава яна тепаликка кўтарилди; аравакаш билан навкарлар ҳаҳалаб, отга қамчи уришди.* Мирмуҳсин, Чўри.

2 Худди шундай ва шунга яқин товушлар билан бирон ишга рағбатлантирмоқ, далда бермоқ. *Улар* [*колхозчилар*] *тўғонларнинг тахта ва қозиқларини йўниб, михлаб, сим ўраб маҳкамлашар экан, уларга бетиним Бобоқул ота ва бақироқ Полвон оталар ҳаҳалаб кўмаклашмоқдалар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲАҲАЧИ *кам қўлл.* Ҳаҳалашиб, ишга рағбатлантириб, далда бериб турувчи (одам). *Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейишади. Энди ҳаҳачи Холдоровнинг рафиқаси Қосимова жонга ора кирди.* В. Маҳкамов, Айбсиз айбдорлар.

ҲАҲА-ҲАҲА *унд.с.* Таажжуб, тасдиқни билдиради. *Омон ҳам менинг гапимга пок учган бўлса керак, икки гапнинг бирида «ҳаҳа-ҳаҳа», деб қўяр эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲА-ҲУ: **ҳа-ҳу дегунча** Ана-мана дегунча, тез орада, бирпасда. *Ҳа-ҳу дегунча тез ёрдам машинаси етиб келди.* Ҳ. Зиёхонова, Арзанда. *-Ҳа-ҳу дегунча ўрта мактабни битириб, институтга ҳам кирдик, — деди Нодир Қундузхонга.* И. Аҳмедов, Оғир операция.

ҲАҲҲА *унд.с.* Таажжубланиш, эътироз, ғазабланиш каби туйғуларни ифодалайди. *Ҳаҳҳа! Ҳали шундай ишлар бўлдими?*

ҲЕ *унд.с.* **1** Мурожаат, чақириқ пайтида ишлатиладиган нидо; эй, ҳей. *Ҳе, бормисиз, биродар!* ▬ *-Ҳе, тақсир! — деди афанди. -Сиз гап бошлаганингиздан буён оғзимни шунча очдимки, у йирилиб кетадиган даражага етди.* «Латифалар».

2 Норозилик, нохушлик маъносини ифодалайди. *Ҳе, нимасини сўрайсиз, афанди! Ишлар чатоқ!* «Латифалар». *Ҳе, бу уруш бошга битган бало бўлди-ку!* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Жирканиш, нафрат билдиришда, қарғаганда ишлатилади. *Ҳе, лаънати! Ҳе, башаранг қурсин!*

Ҳе йўқ, бе йўқ Дабдурустдан, ҳеч асоссиз, сабабсиз, суриштирмасдан. *Шаҳарга тушган эдим, бойвачча, маҳалламда, ҳе йўқ, бе йўқ, ўғлим Абдусамадни аскарликка мўлжаллаб қўйишибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲЕЗ [*ф.* هيز – номуссиз; хотинчалиш] **1** Жинсий қуввати заиф эркак. *Қип-яланғоч бўлиб ётиб берди-ку! Ўзинг ҳез бўлгач, менда нима гуноҳ! Ҳақини тўла [деди фоҳишахона эгаси].* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўзи удда қилолмай, кетидан хотинлардай фисқу фасод қилиб юрадиган сендақа ҳезлардан ўша бегона яхши.* О. Ёқубов, Излайман.

2 *айн.* **ҳезалак 2**. *Ухлаганим йўқ, й-й-йўқ, ҳез, доридан қуй-чи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲЕЗАЛАК 1 *айн.* **ҳез 1**.

2 *ҳақр.* Эркаклик хусусияти йўқ; хотинчалиш. *Вой, ҳезалак-ей. Шундан қўрқдингми?!* ▬ *Раҳмонқул Бекнинг урушда қочганини айтиб, «ҳезалак», «хоин», деб сўкди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲЕЗАЛАКЧАЛИШ Ҳезалакка хос белги-хусусиятли. *Соқол-мўйлови сийрак, овози ингичка, ҳезалакчалиш одам эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲЕЗИМКАШ *айн.* **ҳезалак**. *Мени номард деб ўйлаяпсанми? Сени ёлғиз юборадиган ҳезимкаш йўқ.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ҲЕЗУМКАШ [*ф.* هيزمكش – ўтинкаш, ўтин ташувчи] *эск. кт.* Ўтин тайёрлаб сотувчи, ўтин ташувчи киши; ўтинчи. *Бир тўпар [тўпори] ҳезумкаш ўтаётган эди, Мирзахон эшонга деди: -Мен Авазхон билан дўстлашмоққа келяпман..* «Зулфизар билан Авазхон».

ҲЕЙ *айн.* **ҳе.** *Ҳей, нега серрайиб турибсан? Ҳей, кимсан ўзинг?*

ҲЕМИРИ *с.т.* Умуман йўқликни, «ҳеч қанча» деган маънони билдиради (асосан пул ҳақида). *Уч-тўрт кундан буён Шералининг ёнида ҳемири йўқ.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қиммат бўлса ҳам ноилож олар эдим-а, лекин пулдан ҳемири ортмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен, ҳар қалай, бир юз ўн сўм ойлик оламан, сен ҳемири ҳам олмайсан-ку..* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Эрта-кеч юмуш. Ҳемири ёнга тушмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲЕМИРИЛИК *с.т.* Бирор тийинга арзийдиган, ҳеч қанчалик. *Улар ҳемирилик ҳам хизмат қилгани йўқ.* ▬ *Ҳемирилик иши йўқ. Отаси ўлганига ўн беш йил бўлиб қолди – шундан буён ҳар қанақа ишни йиғиштирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲЕМИРИЧА *с.т.* Ҳемирилик. *Боёнларимизнинг, қозикалонларнинг ғариблар аҳволидан ҳемирича иши йўқ, эл фойдасини сира ўйламайдилар.* Ойбек. Улуғ йўл.

ҲЕЧ [*ф.* هيچ – ҳеч ким, ҳеч қандай; умуман, мутлақ, бутунлай; ноль] **1** Сўроқ олмошлари, шунингдек, «нарса», «вақт» ва б. баъзи сўзларга қўшилиб, бўлишсизлик олмошлари ҳосил қилади. Мас., *ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қандай, ҳеч нима, ҳеч қачон, ҳеч қайси* ва б.

2 *юкл.* Инкор билдиради; йўқ, асло. *Мен ортларидан югурардим. Ҳеч етолмасдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Кимни олса, олсин, ҳеч ишим йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳеч шубҳасиз, баҳор ёшларга олам-олам шодлик келтиради.* Газетадан. *Нима, менга ёқиш учун кестирибдими? Ҳеч-да! Менга буқоғинг билан ҳам ёқа берар эдинг.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Ҳеч бўлмаса Жуда бўлмаса, лоақал, ақалли. *Ма, бир ҳўпла, ҳеч бўлмаса!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ҳар бир оила, ҳеч бўлмаса, бирон жангчини меҳмон қилгиси келади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ҳеч бўлмаса, сиз шу ерда бўлсангиз ҳам, Сергейнинг йўқлигини билинтирмай турардингиз.* С. Зуннунова, Олов. **Ҳеч гап эмас** 1) бўлиши, юз бериши мумкинлигини ва бунинг қийинчилиги йўқлигини билдиради. *Бир ишора билан бош узилиб кетиши ҳеч гап эмас. Қизим, тилга эҳтиёт бўл!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бўғиб ўлдиришим ҳеч гап эмас. Лекин ҳали-бери ўлдирмайман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати; 2) қиёсланаётган нарсанинг унисига етолмаслигини, даражаси ундан пастлигини бидиради. *Оқ кишмишдан тайёрланган шинни жуда хушхўр бўлади, унинг олдида асал ҳеч гап эмас.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

3 Йўқ деса бўладиган даражада, сира арзимайдиган даражада, йўқдек. *Лекин.. унинг бундай ҳаракати, қизнинг улуғ қалби ва севгиси олдида ҳеч эканини чуқур сезди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ҳечга чиқмоқ Йўқ бўлмоқ, йўққа чиқмоқ. *Бутун орзу-умидлар ҳечга чиқди.* ▬ *У ерга тушган ҳар бир япроқда ўзининг тар-*

жимаи ҳолини ўқир, ўзини-да мавқеидан айрилиб, ҳечга чиқиб турган шу япроқлардан айира билмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲЕЧҚИСИ: ҳечқиси йўқ Зарари йўқ, ҳеч нарса бўлмайди (ўйлашга, ташвишланишга арзимас нарса ҳақида). *Оёғингиз.. бир оз шикастланибди. Ҳечқиси йўқ, тузалиб кетасиз.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Асад, кўнгли яримта, ҳечқиси йўқ, бунақасини биринчи кўряпмизми..* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *-Бевақт келганим учун узр. -Ҳечқиси йўқ. Мен ҳозир отамни чақириб чиқаман..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲЕЧҚУРСА *шв.* Ҳеч бўлмаганда, лоақал. *Маъмуржон илгариги хатти-ҳаракатларидан ҳечқурса биронтасини такрорлаганда, эҳтимол, Ойна опа у ҳақда тезгина бир тўхтамга келган бўлармиди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *..ҳечқурса ўлаётган чоғида ҳақиқатнинг кўзига тик қарай олиши учун куч, жасорат топсин.* Газетадан.

ҲЕҲ *унд. с.* Норозиликни ифодалайди. *Ҳеҳ, шу ҳам гап бўлдими? Ҳеҳ, сени қара-ю.*

ҲЕ-ҲА *унд.с.* Таажжуб ифодалайди. *Мадёров.. энгашиб, Майнанинг гимнастёрка елкаларидаги уч бурчакли белгичаларини текширди: -Ҳе-ҳа, взвод командирисиз-ку.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҲЕ-ҲЕ-ҲЕ *тақл. с.* Босиқ, енгил кулгини билдиради. *-Мастлик қурсин, тоза машмаша қилибман, ҳе-ҳе-ҳе, — совуқ кулди бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲЕҲ-ҲА *айн.* **ҳе-ҳа**. *-Бу ерда жафо чекканлар йўқ дейсизми? Ҳеҳ-ҳа, тўлиб ётибди, — деди Абдуваҳоб.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ҲЕҲ-ҲЕ *айн.* **ҳе-ҳа**. *Ҳеҳ-ҳе, соат ўн бўлиб қолибди-ку. Ҳеҳ-ҳе, ҳали қанча ишлар турипти!*

ҲИБС [*а.* حبس — қамаш, тутқунликка олиш; турма, қамоқ] *эск.* Озодликдан маҳрум қилиш, қамаш; қамоқ. *Юсуповни уч ой ҳибсда сақлашди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Паймонаси тўлиб турган Дороббек кутилмаганда ҳибсга тушди-ю, кета туриб, Лаълидан қасос олди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Кўкминор эшигидан чиқиши биланоқ уни навкарлар салом-аликсиз ҳибсга олиб, қўлларига кишан урди.* Мирмуҳсин, Чўри.

Ҳибс қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Қамоққа олмоқ; қамамоқ. *..шаҳардаги шубҳали одамларнинг ҳаммасини ҳибс қилиш борасида фармони олий олиб, шу заҳоти ишга тушишибди..* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Шаҳарнинг Машҳад йўлида.. Ихтиёриддин қалъаси қад кўтарган, бу ерга оғир гуноҳ қилганлар ҳибс этиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲИБСХОНА [ҳибс + хона] Қамаб қўйиладиган жой; қамоқхона, турма. *Тахтапулнинг остида кейинги вақтларда эшиги беркитилиб, номаълум қилиб қўйилган, «канахона» номли, амирнинг ҳибсхонаси бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ҲИД 1 Ҳар бир нарса ва модданинг кишиларнинг ис билиш сезгиларига таъсир этадиган хоссаси; бўй, ис. *Ҳиди бор нарса. Ёқимли ҳид. Ёқимсиз ҳид. Кабоб ҳиди. Ҳандалак ҳиди. Зира ҳиди. Пиёздоғ ҳиди. Ҳар гулнинг ҳиди бошқа.* Мақол. ▬ *Ота, манови беҳиларни қаранг, ҳиди оламни тутади, бирам пишибдики!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уйда тутун йўқолган бўлса-да, аччиқ ҳид дарров унинг бурнига урилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тутаб куяётган от эти ва терисининг қўланса ҳидидан унинг кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

Гапидан латта ҳиди келади Ёқимсиз, бемаъни гапга нисбатан қўлланади. *Ҳодивой, аччиғинг чиқмасин-ку, анчадан бери гапингдан латта ҳиди келадиган бўлиб қолган.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 *кўчма* Бирор нарса, ҳодиса ёки ҳолатнинг белгиси, шарпаси. *Шояд шу билан Ойнагулнинг ҳам ҳиди бирон жойдан чиқиб қолса.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Бунинг ҳар бир варағидан шахсий ғараз ҳиди келади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Жанжалнинг ҳидини сезган Сарви хола ғудраниб, стол устига дастурхон ёза бошлади.* «Муштум». *..юзида нур ёғилиб турибди, сўзларида меҳр-шафқатнинг ҳиди бор.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Ҳид олмоқ Бирор маълумот, белги, шарпани сезмоқ, ундан хабардор бўлиш илинжида юрмоқ. *Дамба вақтида кетиб қолганлар ҳам атрофимизда айланиб, ҳид олиб юрган эмиш-ку.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Ҳиди чиқмоқ** Хабари тарқалмоқ, ошкор бўлмоқ. *..қоровул чолни уриб, яхши иш қилмади. Ими-жимида бўладиган ишнинг ҳидини чиқариб қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Эҳтиёт бўлмасангиз, буларнинг ҳам ҳиди чиқиб қолади. «Муштум».

ҲИДДАТ [*а.* حدّت – қизиққонлик; жиззакилик; ғазаб; рашк; куч, шиддат; ғайрат] *кам қўлл.* Кескинлик, тезлик, шиддат ёки ғазаб билан иш тутиш. *Нафрат ва ҳиддат билан тўлиқ бу дадил овоз ҳаммани ҳайрон қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲИДДАТЛАНМОҚ *кам қўлл.* Кескинлашмоқ, шиддатланмоқ; ғазабланмоқ. *Ғуломжон калласини баланд кўтарди, кейин мингбошига юзланиб, мўлтираган, жавдираган кўзлар билан эмас, нафратланган, ҳиддатланган кўзлар билан қараб туриб гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲИДЛАМОҚ Ҳидни бурунга тортмоқ; искамоқ. *Қуёш иси анқиб турган бойчечакларни тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Анвар.. қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўзғиган сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокилларининг муаттар бўйини узоқ ҳидлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Отлиқ.. беҳилардан бирининг чанг босиб ётган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб, уни ҳидлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲИДЛАНМОҚ Ёқимсиз ҳид пайдо қилмоқ. *Ичига йиғилган сув қаровсизликдан ҳидланиб кетган, турли чиқиндилар билан тўлиб тошган.* «Муштум». *У сават, унда гўшт бор. Шабадада ҳидланмай туради.* С. Нуров, Нарвон.

ҲИДЛИ Ҳиди бор; исли. *Ҳидли гул. Яхши ҳидли совун.* ▬ *Атир ҳидли лолалари-ла Безангандир келажак йўлинг.* Ғайратий. *Хуш ҳидли ҳаводан ўпка тўлдириб нафас олгинг келади киши.* А. Раҳмат, Варракчи чол.

ҲИДОЯТ [*а.* هدايت – бошлаб бориш; етаклаш, тўғри йўлга бошлаш, бошқариш] **1** Фойдали йўналиш, тўғри йўл бошлаш. *Ҳидоят қилмоқ.* ▬ *Подани залолатдан қутқазиб, ҳидоятга бошламоғи лозим!* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *дин.* Худо томонидан белгиланган тўғри йўл; ҳақиқий эътиқод йўлидан юриш; *зид.* **залолат**.

3 Ҳидоят (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҲИДСИЗ Ҳиди йўқ. *Ҳидсиз гул. Ҳидсиз олма.*

ҲИЖЖАЛАМОҚ 1 Сўзни бўғинларга, айрим қисмларга бўлиб талаффуз қилмоқ. *Баҳодир китобдан «она», «ота», «опа» сўзларини ҳижжалаб ўқий бошлади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Нодир билан Омил Раҳималарнинг ёруғ деразаси олдига бориб, она-бола «Алифбе» китобини ҳижжалаб ўқишаётганини кўришди.* С. Юсупов, Кутилмаган хазина.

2 *кўчма* Синчиклаб ўрганмоқ, бирмабир кўздан ўтказмоқ. *Уч марта ҳижжалаб чиқиб, калаванинг учини тополмай гарангман.* Т. Алимов, Ишқилиб, ўқимаган бўлсин-да! *Уни* [*вакилни*] *объектма-объект бошлаб юраркан, ҳар рақамга ёпишиб ҳижжалай бериши сил қилиб юборди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ҲИЖО [*а.* هجاء – ҳажв қилиш; бўғинлаб, ҳарфлаб ўқиш] *эск. айн.* **бўғин**. *Ҳунарим, маълумингиз, ғазаллар ёзиш, Баъзан бир ҳижо қилур қонимга ташна.* Ғ. Ғулом. *Бундай ортиқчаликларга, ҳижо, қофия учун сўзни атайин қурбон қилишга ўрин қолмайди.* «ЎТА».

ҲИЖОБ [*а.* حجاب – ёпинчиқ; парда; ниқоб; тўсиқ] Юзга тутиладиган парда, тўсиқ. *Бошларида осмони настарин рангидаги нафис ҳижоби.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ҲИЖОЛАМОҚ *айн.* **ҳижжаламоқ 1**. *Бир қўллаб қоғоз олиб, телефондаги сўзларни ўзича ҳижолаб ёза бошлади.* «Муштум».

ҲИЖОЛИ *эск. айн.* **бўғинли**. *Ўзи бир ҳижоли кичкина бир сўз, Аммо эга эрур катта маънога.* Уйғун.

ҲИЖРА, ҳижрат [*а.* هجره , حجرت – кўчиш, кўчириш; чет мамлакатга кўчиб кетиш] **1** *эск. кт.* Ўз жойини, мамлакатини тарк этиб, бошқа жойга кетиш, кўчиш. *Ҳижрат тариқасида Фарғонага йўл олдилар.* «Муштум».

Ҳижрат қилмоқ Ўз жойи, юртини тарк этиб, бошқа жойга, юртга кўчмоқ, кетмоқ. *Биз Афғонистонда тузуккина тайёрланиб.. мамлакатни большевиклардан тозалаш учун вақтинча ҳижрат қиламиз.* С. Айний, Дохунда. *Асакадан ҳижрат қилмоқ учун.. маориф шўросига ариза берсам, молия мудирлигини ҳам менга топширдилар.* «Муштум».

2 Муҳаммад пайғамбарнинг ўз саҳобалари, тарафдорлари билан бирликда Маккадан Мадинага кўчиши (бу воқеа милодий 622 йил 16 июль куни бўлиб, ислом

тарихи ва мусулмонларнинг йил ҳисоби тизими шу кундан бошланган).

Бу дунёдан ҳижрат қилмоқ Ўлмоқ, вафот этмоқ.

ҲИЖРИЙ [*а.* هجرى] Ҳижра(т)га, мусулмон йил ҳисобига тегишли. *Ҳижрий йил ҳисоби.* ▬ *Мен абжад ҳисобини билганим учун у шеърдаги тарих моддасини ҳисоблаб кўрдим. Ҳақиқатан ҳам ундан ўша йилнинг санаси бўлган ҳижрий 1303 чиқарди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ўнг томондаги тошга араб алифбесининг қадимги имлосида йирик қилиб «Маърифатхон жаннатмакон» деб ёзилган ва ҳижрий билан «1335», деб тарих қўйилган эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ҲИЖРИЯ [*а.* هجريّه] *айн.* **ҳижрий.** *1264 ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲИЖРОН [*а.* هجران – ташлаб, қолдириб кетиш; ажралиш, видолашиш; айрилиқ] *поэт.* Айрилиқ, жудолик, фироқ. *Булбул кетди, гул қолди, Ўртага тушди ҳижрон. Йигит ҳам соғинади, Ёр бағри лоладек қон.* Ҳ. Олимжон. *Бахтиёр севгини куйларди созим, Ўлим ханжарига тегди-ю синди, Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим, Наҳот лириканинг ёлқини тинди?* Зулфия. *Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар.* Ғ. Ғулом.

ҲИЖРОНЗАДА [*а. + ф.* هجرانزده – ҳижронда эзилган; ёридан ажралиш] Ҳижрон туфайли азоб чеккан, эзилган. *Қаҳрамон ота, жасур ўғил, жафокаш она, ҳижронзада халқ – ҳурматли ёдгорлик олдида узоқ бош эгиб турдим.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Дарға изтиробга тушди, юраги эзилди, шоир кўз ёшини артар экан, кекса капитаннинг ўзи ҳам ҳижронзада эканлиги билинди.* С. Абдулла, Қувғунда.

ҲИЙЛА [*а.* حيله – айёрлик, маккорлик; макр, найранг] Алдаш учун ишлатилган йўл; алдовчи, чалғитувчи иш, тадбир, хатти-ҳаракат; найранг, фириб. *Даврон бир неча бор душман исканжасига тушган, бироқ довюраклик билан ёвга чап бериб, ҳийлаю ҳунар ишлатиб, ғолиб чиққан.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Қиз полициянинг даҳшатини яхши билар, уларга кўп учраган ва кўп дафъа турли ҳийлалар билан қочган.* Ойбек, Нур қидириб. *Шу мақсадда эрка бир кун ётиб олди. Ҳийла билан касалликка ўзин солди.* А. Мухтор.

Ҳийла қилмоқ Ҳийла ишлатмоқ. *Кампир уларга ҳийла қилиб йиғлабди.* «Эртаклар». *Ҳийла қип кўзинг ёшлайсан. Бошмалдоғингни тишлайсан.* «Юсуф ва Аҳмад».

Ҳийлаи шаръий *қ.* **шаръий**.

ҲИЙЛАГАР [*а.* حيله‌گر – ҳийла қилувчи] *айн.* **ҳийлакор**. *Ўқитувчи давом этди: -Шундай қилиб, оми халқ ҳийлагар одамларнинг бўлмағур гапларига ишониб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сен билмайсан, жоним, улар ҳийлагар, Ўлмай қолса, ҳамиша пайингда юрар.* «Ширин билан Шакар». *Элда бундай ёлғончилар бўлмасин, Ҳийлагар кишилар омон қолмасин.* «Баҳром ва Гуландом».

ҲИЙЛАГАРЛИК *айн.* **ҳийлакорлик.** *Эшонман, деб мени нодон билмагин, Ҳийлагарлик қилиб, бекор ўлмагин.* «Ёдгор».

ҲИЙЛАКОР [*а. + ф.* حيله‌كار – ҳийла қилувчи, ҳийла ишлатувчи] Ҳийла ишлатишга уста, ҳийла билан кўп шуғулланувчи (шахс). *Ёлғончи, ҳийлакор бой – Доғули хасис Холвой.* Уйғун. *Билъакс сиз: ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳийлакордир – билагингдан тутмасин, Жодугардир – сени жоду қилмасин.* «Ойсулув».

ҲИЙЛАКОРЛИК Ҳийлакор бўлиш, ҳийлакорга хос иш, хатти-ҳаракат. *[Ашур] Ҳийлакорликда Шерназарбойдан ҳам ўтар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲИЙЛАКОРОНА [*а. + ф.* حيله‌كارانه – айёрларча, маккорона] *рвш.* Ҳийлакорларга хос равишда, маккорона. *Мирсодиқ сакраб чорпояга чиқди-да, Жанишнинг елкасидан ушлаб, ўнгланиб ўтирди ва ҳийлакорона илжайиб суриштира бошлади.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲИЙЛАЛИ Ҳийла ишлатилган, алдаш учун қилинган, ҳийла ишлатадиган.

ҲИЙЛА-МАКР Ҳийла ва макр, ҳийлагарлик, айёрлик.

ҲИЙЛА-НАЙРАНГ Ҳийла ва найранг, ҳар хил ҳийлалар. *Эҳтиёт бўлишим керак. Яна бир ҳийла-найранг тўқиганга ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲИЙЛАСИЗ Ҳийла ишлатилмайдиган, беҳийла, алдовсиз. *Ҳийласиз иш.*

ҲИЙЛАЧИ *с.т.* Ҳийлагар.

ҲИКМАТ [*а.* حكمت – билимдонлик, донишмандлик; ҳикматли сўз, мақол; тибби-

ёт илми, шифокорлик] **1** Ақл-заковат, донолик ва унинг ифодаси бўлган, уни акс эттирувчи нарса — гап-сўз, фикр ва ш.к.; донолик белгиси. *Оз емак — тани соғлиқ, Оз демак — ҳикматга боғлиқ.* Мақол. *Нодоннинг кулфати кўп, Донони нг — ҳикмати.* Мақол. ▬ *Боболарнинг ҳикмати Ҳаётга ёруғ йўлдир: Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл, дер.* Э. Воҳидов. *Подшоҳ билан шерга яқин бўлмоқ ҳикматдан эмасдир.* «Эртаклар». *«Курашмоқ — ўрнак бўлиб яшамоқ демакдир!» — деган эди муаллиминг, файласуфларнинг ҳикматини баён қилиб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳаракатда баракат — кўп қадим ҳикмат..* М. Шайхзода.

2 Тагини англаш қийин бўлган, яширин бир маъно, яширин бир сабаб; сир. *Бу ойнада қандай ҳикматни кўрдинг? Жоним болам, сенинг ҳолинг на бўлди?* «Баҳром ва Гуландом». *Олдингга келган йигит кетолмайди, сизларда бирор ҳикмат бор экан-да.* «Оқ олма, қизил олма». *Бектемир генералларни урушнинг бутун ҳикматини биладиган бағоят ҳурматли азиз одамлар деб тушунарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Булбул сайрайди, хўроз қичқиради, эшак ҳанграйди, от кишнайди. Буларнинг тирикчилиги шу-да. Бунда нима ҳикмат бор дейсиз?* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кам қўлл.* Фойдали томон; наф, фойда (иш, ҳаракат ҳақида). *Раҳмат Отабекка кулумсираб қаради-да, тоғасига жавоб берди. -Хотин кўпайтириб, улар орасида азобланишнинг нима ҳикмати бўлсин?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўғри, шоликорликда ҳикмат кўп бўлади.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

4 Ҳикмати бор нарса, ҳикмат билдирувчи фикр, гап. *Қуриб кетманг! Қўчқор ёғи еб, энди бир ҳикмат кўрсатмоқчимидилар!* М. Бобоев, Гўзаллик истаб. *Қори, худди фавқулодда бир ҳикмат эшитгандай, оғзини ва кўзларини катта очиб, Тўпанисога қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ёш хотин қари эркакни яшартиради, деган гаплар бор; қариганда уйланадиган эркаклар ана шу ҳикматга амал қилар эмиш..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

5 *эск. айн.* **физика**. *-Ҳа, ҳикмат кесакдан аланга чиқаргандек, сиз ҳам китобдан олган билимларингизни турмуш мактабида синовдан ўтказинг, — деди қиз.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

Илми ҳикмат Физика. *Мадраса — диний мактаб. Лекин риёзиёт, илми ҳикмат, ҳандаса, кимё деган дарслар ҳам ўтилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Ҳикмат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҲИКМАТЛИ Ҳикмати бор, ҳикмат ифодали; чуқур мазмунли; сирли. *Ҳикматли гапларга қулоқ солмоқ даркор, Қулоқ солмоқ даркор халқнинг сўзига.* А. Орипов, Йиллар армони. *Халқона ўткир иборалар, чуқур ҳикматли мақоллар унинг нутқининг жонли, ёрқин безаклари эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Миллатни фақат илм-маърифатгина жаҳолат ботқоғидан олиб чиқади, деган фикрни ҳурматлайман. Бунда катта ҳикмат бор.. кўп табаррук зотлар бу хусусда ҳикматли гаплар айтиб қолдирганлар.* К. Яшин, Ҳамза. *Ошпаз ер остига ҳикматли ўчоқ ясаб, қуённи пиширишга киришди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲИКМАТОМУЗ [*а.* + *ф.* حکمت‌آمیز — ҳикмат ифодали, ҳикматли] Ҳикматли, ҳикматга бой, ҳикмат, панд-насиҳат тарзидаги. *Ҳикоятларнинг ҳар бирида қиссадан ҳисса тарзида ҳикматомуз хулосалар, танбеҳлар мавжуд.* Ҳ. Ҳомидий, Тасаввуф алломалари.

ҲИКОЯ [*а.* حکایه — гапириб, сўзлаб бериш; қисса; тарих] **1** Кимса, нарса ва у билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг оғзаки тафсилий баёни. *Мулла Фазлиддин.. ёш Бобурга Навоий ҳақида жуда кўп ажойиб ҳикоялар айтиб берган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ғойиб энди «студентликнинг олтин даври» ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Чол бошлар умрининг ҳикоясини, Бир-бир сўйлаб чиқар бор-барчасини.* Ҳ. Олимжон.

Ҳикоя қилмоқ Баён қилмоқ, сўзлаб бермоқ. *У йўл-йўлакай бирталай латифалар айтди, ўз саргузаштларини ҳикоя қилди.* Газетадан.

2 Эпик турга мансуб кичик ҳажмли жанр; шу жанрда ёзилган асар (сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг бир шахс томонидан олиб борилиши билан роман ва повестдан фарқланади; асосан насрий ифодага эга бўлади). *Ҳикоя ёзмоқ. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари. Ҳикоялар тўплами.* ▬ *Ёзувчиларимиздан Саида Зун-*

нунова, Раҳмат Файзий оила масаласида анчагина ҳикоя ёзишган. «Муштум».

ҲИКОЯНАВИС [*а.* + *ф.* حکایه‌نویس – ҳикоя ёзувчи] Ҳикоя ёзувчи. *Биринчи ўзбек ҳикоянависи Ойдин ижоди янги ўзбек адабиётининг тараққиётида муҳим ўрин тутади.* С. Мамажонов, Ҳаёт куйчиси. *Ёш ҳикоянавис Ў. Умарбековнинг.. «Солия хола», «Чўлда бир кун» каби ҳикояларида кишининг юксак фазилатларини очиб беришга уриниш сезилади.* «Шарқ юлдузи».

ҲИКОЯНАВИСЛИК Ҳикоя ёзиш иши. *Мен биргина журналист бўлибгина қолмай, бу қозонда [газетачиликда] шоирлик, ҳажвчилик.. ҳикоянависликда ҳам пиша бошладим.* С. Абдулла, Менинг дорилфунуним.

ҲИКОЯТ [*а.* حکایت – сўзлаб бериш; қисса; тарих] **1** *эск. айн.* **ҳикоя**. *Мақолларга, эртакка, ҳикоятларга. Мен умримда жуда кўп қулоқ осибман.* М. Шайхзода. *Мирза Баҳром ҳам ҳали Тавҳидий ўқиган ҳикоятнинг ёзилиш тарихини сўзлаб берди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. *Ҳикоятларнинг ҳар бирида қиссадан ҳисса тарзида ҳикматомуз хулосалар, танбеҳлар мавжуд.* Ҳ. Ҳомидий, Тасаввуф алломалари.

2 Ҳикоят (хотин-қизлар исми).

ҲИКОЯЧИ 1 Ҳикоя қилувчи, эртак ва ҳикояларни сўзлаб берувчи.

2 Ҳикоялар ёзувчи, ҳикоянавис.

ҲИКОЯЧИЛИК Ҳикоячининг машғулоти, ҳикоялар ёзиш иши. *Бизда кичик жанрга – ҳикоячиликка етарли диққат қилинмагани менинг иззат-нафсимга тегади.* Ғ. Ғулом, Талант ва маҳорат.

ҲИЛВА 1 Жуссаси ингичкадан келган, хипчабел, нозик. *Ҳилвагина, оппоққина экан.. Ҳамиятли қизга ўхшайди.* А. Муқимов, Келин.

2 *шв.* Ялпиз.

ҲИЛВИЛЛАМОҚ *с.т.* Ҳилвирамоқ.

ҲИЛВИРАМОҚ 1 Заиф, нимжон ҳолга келмоқ, заифлашмоқ. *Бу жанговар воқеаларни эслар экан, кампирнинг ҳилвираган озғин танасида гўё ёшлик қони бирдан жўш ургандай бўлди.* С. Анорбоев, Дўстлар. *-Йиғламанг, буви, худонинг иродаси, – деди Ғуломжон, бундай гаплар онасининг ҳилвираган қалбига малҳам бўлмаслигини билса ҳам.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аваз устоднинг салқиган қовоқларига.. ҳилвираган бармоқларига разм солди. Унинг бармоқлари билинар-билинмас титрарди.* С. Сиеёв, Аваз.

2 Эскириб, ночор ҳолга келмоқ, футури кетмоқ; тўзмоқ. *Ҳадемай дарчада Ўтар бобонинг ҳилвираган сариқ тўни кўринди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Эскириб, қирралари ҳилвираб кетган дафтарнинг муқовасига чиройли ҳарфлар билан «Холида» деб ёзилган эди.* Ў. Умарбеков, Кўк дафтарнинг сири.

3 *с.т.* Ҳилпирамоқ. *Ҳа, атласларни кийиб олиб, Ҳилвираб келасиз-а бизга.* «Қўшиқлар».

ҲИЛЛА I *с.т.* Ҳийла. *Ургани йўқ моли билан тиллани, Бир аёл юрдирди макру ҳиллани.* «Эрали ва Шерали».

ҲИЛЛА II [*а.* حلّه – сарпо, либос, кийим-бош] *айн.* **ҳулла**. *Рўмолим бор ҳилладан, Ғижимлари тилладан.* «Оқ олма, қизил олма».

ҲИЛОЛ [*а.* هلال – янги ой] **1** *кт.* Янги чиққан ой. *Кўкка боқса, Зуҳро юлдуз қолар экан лол, Ҳасад қилар экан унинг қошига ҳилол.* Т. Тўла. *Бу тун осмон ҳам нотинч. Нозик ҳилол бедор кеза-кеза, булутлар қаърига кетмоқда.* Газетадан.

2 Ҳилол (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ҲИЛПИЛЛАМОҚ *айн.* **ҳилпирамоқ**. *Ошхонанинг тўрида ҳилпиллаб турган байроққа кўзимиз тушди, бу – ёшларнинг ғолиблик нишони экан.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *Қирғоқдаги ҳаворанг чодир аста ҳилпиллайди.* Газетадан.

ҲИЛПИРАМОҚ Силкиниб, тебраниб елпингансимон ҳаракатланмоқ; ҳилп-ҳилп қилмоқ (баъзи енгил, майин нарсалар ҳақида). *Ҳамма деразалар ланг очиқ. Енгил шабададан дарпардалар ҳилпирайди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Унинг кичик, тиниқ зангори кўзларига тикилди, толалари шамолда ҳилпираган майин, олтин сочларини силади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Кузатувчилар қўлида рўмолчалар ҳилпирайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ҲИЛПИРАТМОҚ Ҳилпирамоқ фл. орт. н. *Юлдуз кўк шойи кўйлакчасини ҳилпиратиб, айвонга югургилади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *У ўгирилиб қараса, бир варақ қоғозни қўлда ҳилпиратиб, Зокир келяпти.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ҲИЛП-ҲИЛП: ҳилп-ҳилп қилмоқ Ҳилпирамоқ.

ҲИЛ-ҲИЛ: ҳил-ҳил пишмоқ Етилиб, юмшаб пишмоқ. *Ҳил-ҳил пишган шафтоли. Гўшт ҳил-ҳил пишди.* ▬ *Ҳил-ҳил пишган юмшоқ кабобни пиёз қўшиб ея бошлади.* Ойбек, Улуғ йўл. *Чанқаб кетган Ҳайдар қовунни эгарга уриб, иккига бўлди-ю, шошганича ҳил-ҳил пишган босволдининг сувини шимирди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ҲИМ *айн.* **ҳимм.** *Ваъда.. Ҳим. Нодон. Хўжайин деган хизматкорни қизиқтириш учун ваъда қилаверади-да..* Ойбек, Танланган асарлар. *-Келинойимга ўша совғадан насиба олиб келган эдим. -Ҳим.. — деди Бўтабой ўнғайсизланиб, — шунақами..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲИМАРМОҚ 1 Эшиб ёки бураб йиғиштирмоқ, қайтармоқ; шимармоқ. *Абулзиё қўлтиғидан оғир шоҳи халтача чиқарди-да, халта оғзини ҳимариб, Мажддиддин*[*нинг*] *олдига шарақлатиб қўйди.* Ойбек, Навоий. *Султонов кўзларини очиб, шимининг почасини аста ҳимариб, кўтара бошлади.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Эшиб, бураб пишитмоқ. *Кампир қўлидаги пахтани ҳимариб, қорачироққа пилик тайёрлади.* «Эртаклар». *У ип учини тишлаб узиб, бармоқлари билан ҳимариб, дурни ипга тизаркан, гапини лоқайд давом эттирди.* Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.

3 Тўғрилаш, тартибга солиш ёки шунчаки эрмак тарзида бармоқлари орасида олиб бурамоқ, ўйнамоқ. *Тансиқ ҳаворанг рўмолчасининг учини ҳимариб, унинг ишидан кўз узмаганини пайқади.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Лабини ялаб, соқолининг учини ҳимарганича, бир нафас индаёлмай қолди.* С. Зуннунова, Олов. *Рассом дастурхон попугини ҳимарганча, Тоғанинг томидан кўз узмай ўтирар эди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ҲИММ *унд.с.* **1** Таажжуб, шубҳа, ишонмаслик, кесатиш, пичинг кабиларни билдиради. *-Сен аввал секин даромад қилсанг, яхши бўлар эди. -Ҳимм.. — деди Сорахон лабини буриб.* А. Қаҳҳор, Сароб. *-Ҳимм, — деди махдум, — қишлоғингизда оқсоқол йўқми?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бир фикр билдиришда қийналишни, иккиланишни, тутилишни билдиради. [*Бақоев:*] *Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни.. ҳимм.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

3 Бирор нарсани тушуниб етганликни, ундан қаноат ҳосил қилганликни, мамнун бўлганликни ифодалайди. *Мен касалнинг бошланиш жараёнини узоқ ҳикоя қила бошладим. У ора-чорада «ҳимм, яхши-яхши, ҳимм, безарар, ўтиб кетади», дея қўярди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ҲИММАТ [*а.* همّت — ғайрат-шижоат, жўшқинлик; ҳаракат, ҳафсала, қунт; югур-югур, ташвиш] Одамгарчилик, мурувват юзасидан қилинадиган яхшилик, яхши иш, ёрдам; инсондаги шундай ишга бўлган туйғу, хислат, фазилат. *Элга хизмат — олий ҳиммат, дейди халқимиз.* ▬ *Халқимизнинг бағри кенг, ҳиммати зўр. Ота-онасиз болаларни ўз бағрига олди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Уста миришкорлар билан қўлни қўлга бериб, далаларда жавлон ураётган шаҳарликлар ва студентлар ҳимматига балли.* Газетадан. *Элнинг ғайратига ҳам, ҳимматига ҳам балли! Худди шу буйруқни кутиб тургандай, бирваракайига ишга ёпишиб кетди.* Ойдин, Фарҳодлар. *Кори хайр иши давлатга қарамайди, оғайни.. ҳимматга қарайди, ҳимматга.* «Муштум».

Ҳиммат камарини боғламоқ *қ.* **камар** I.

ҲИММАТЛИ Ўзгалар манфаати йўлида ёрдамини, иш-меҳнатини аямайдиган, ҳиммати зўр. *Ҳимматли киши.* ▬ [*Йўлчи*] *Пул берган ўртоқларини қучоқлаб ўпгиси келди, улар шу топда дунёда энг ҳимматли, энг қадрдон, энг меҳрибон одамлар бўлиб туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ҳимматли ёшлари.. агрегатлар ишлаб чиқаришни ҳозирнинг ўзидаёқ қизитиб юборишган.* Газетадан.

ҲИММАТСИЗ Бировга ёрдам қилмайдиган, ҳиммати йўқ. *-Ҳа, уялдим, лекин сени алдаганимдан эмас, ҳимматсиз ва қизғанчиқ одамдан ёрдам сўраганимдан уялдим, — дейди чол.* «Эртаклар».

ҲИМО I *кам қўлл.* Бирор иш-ҳаракатни бажаришда кимсага бериладиган жисмоний ёрдам; кўмак. *Турсунбой қанорни кўтаришиб, машинасининг тумшуғига олишди. Сўнгра ҳимо билан Алижоннинг орқасига қўйди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Сени минган йигит кирар савашга. Авлиёча ҳимо бердинг йўлдошга, Ўн тўрт сафар дучор бўлдинг Бектошга, Шу арабнинг додин берган бедовсан.* «Хушкелди».

ҲИМО II *с.т.* Имо. *Манови паканагина одам бир ҳимо билан ўзини ҳурмат ва қадр-қимматнинг энг баланд поғонасига кўтариб қўйишига имони комил!* А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ҲИМОЯ [*а.* حمايه – кимсанинг ҳомийлигида бўлиш; мудофаа, тўсиқ, ғов; ҳомийлик] **1** Ҳаёт, иш-фаолиятда бўладиган ёрдам, қўллаб-қўлтиқлаш; ҳомийлик, паноҳ. *Подшоҳ ҳазратлари мени сизнинг ҳимоянгизга топширган эдилар! Агар босқинчиларни топиб жазо бермасангиз, мен подшоҳ ҳазратларининг ҳузурларига паноҳ истаб кетишга мажбурмен!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *У ҳазратнинг укалари Бойсунқур мирзо отамларни ва устоз Қавомни ўз ҳимояларига олганлар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У Бобурнинг отаси ўрнига ҳукмдор бўлганини эшитиб, ундан ҳимоя сўраш ниятида аркка борган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Хавф-хатар, ҳужум кабилардан сақлаш, қўриқлаш иши; муҳофаза, мудофаа. *Ҳар куни бирор уйдан кимдир хайрлашгани кирарди. Қишлоқнинг сара йигитлари армияга – Ватан ҳимоясига кетдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳимояда ётган одамларга тунги ҳужум ва шовқин-сурон оғир таъсир қилишини Шайбонийхон яхши билар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Умуман, бирор хавфли, зарарли нарса-ҳодисадан сақлаш, сақланиш иши. *Реактор сув қатлами, темир ҳалқа ва бетон девордан ташкил топган кучли ҳимоя воситаси билан ўралган.* «Фан ва турмуш». *Механизатор кабинадан тушиб, ҳимоя тўсиқларини яна бир карра текшириб кўрдида, рулга ўтирди.* Газетадан.

4 *спрт.* Футбол, волейбол каби ўйинларда команданинг рақиб томон ҳужумини қайтариш вазифасини бажарувчи қисми. *Бу ўйин команданинг ҳимоясида етарли муаммолар борлигини кўрсатди.* ▬ *Бундай команда билан ҳимояда туриб ўйнаш ҳазилми? Бирор хатога йўл қўйдинг – балога қоласан.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

5 *ҳуқ.* Судланувчи тарафини олиб қилинадиган хатти-ҳаракат, айтиладиган фикр-мулоҳаза; оқловчи томон.

6 Илмий кенгаш ёки махсус комиссия муҳокамасига тақдим этилган ишда (диссертация, лойиҳа ва ш.к. да) олға сурилган қарашлар, фикр-мулоҳазаларнинг эътироф этилиши ва тегишли илмий даража ёки унвонни олишга ҳаракат қилиш иши. *Лойиҳани ҳимояга қўймоқ.* ▬ *Пошша холанинг кўнгли жойига тушди. Куёвининг кандидатлик ҳимояси куни олдинги қаторда савлат тўкиб ўтирди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

Ҳимоя қилмоқ 1) ҳимоясига олмоқ, қўллаб-қувватламоқ, ҳомийлик қилмоқ. *Подшолик ҳамма вақт юртнинг обрўли одамларини ҳимоя қилади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз; 2) хавф-хатар, ҳужум кабилардан қўриқламоқ. *Ватанни ҳимоя қилмоқ.* ▬ *Юртни босқинчидан ҳимоя қилиш – ҳамманинг иши!* Мирмуҳсин, Меъмор; 3) хавфли, зарарли нарса таъсиридан сақламоқ. *Асални мунтазам истеъмол қилиб туриш кишини кўп касалликлардан ҳимоя қилади, юқумли касалликлардан асрайди.* М. Тўйчиев, Асаларичилик; 4) ҳимоя ишини бажармоқ, ҳимояда ўйнамоқ; ҳимояламоқ, ҳимояланмоқ. *Боксчимиз ҳужум билан бирга ҳимоя қилишни ҳам эсдан чиқармайди*; 5) судланувчи, айбланувчи тарафидан иш юритмоқ; 6) диссертация, лойиҳа ва ш.к. нинг ҳимоясини ўтказмоқ. *Докторлик диссертациясини ҳимоя қилмоқ.*

ҲИМОЯСИЗ Ўзини ҳимоя қила олмайдиган ёки биров ҳимоя қилмайдиган, ҳимояси (ҳимоячиси) йўқ; қўриқланмайдиган. *Бойвачча ҳимоясиз Қудратнинг юз-кўзига, бурнига мушт ёғдира бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қумда, биздек ҳимоясиз одамлар орқасида юриши жуда таажжуб.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲИМОЯТ [*а.* حمايت – кимсанинг ҳомийлигида бўлиш; мудофаа; паноҳ; ҳомийлик] *эск. кт. айн.* **ҳимоя 1.** *Бугун маликанинг меҳри тушган, унинг ҳимоятидаги Оққиз бўлғуси куёви билан куч синашарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Бир хил ота-оналар касаллик ё қарилик натижасида болаларининг моддий ҳимоятларига муҳтож бўлсалар, бошқалар бунга эҳтиёж сезмайдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ҳимоят қилмоқ (*ёки* **кўрсатмоқ)** *айн.* **ҳимоя қилмоқ 1** *қ.* **ҳимоя.** *Агар қилмади эл ҳимоят санга, Ўзингдан керакдир шикоят санга.* Алишер Навоий. *Ўз фарзандларига ҳимоят кўрсатишни билмаган тошбағир падар олдида бора-бора фарзанд ҳам юрак олдириб қўйиши, ундан совиб кетиши мумкин.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ҲИМОЯТЛИ Қўллаб-қувватлайдиган, ҳомий бўлувчи; ҳимоячиси бор, кимнингдир паноҳида бўлган. *Яхши кунларимда салтанатли онам, Ёмон кунларимда ҳимоятли онам.* «Оқ олма, қизил олма». *Оқ сут берган оналари Рози бўлсин, ёр-ёр. Ҳимоятли(к) оналари Қози бўлсин, ёр-ёр.* «Қўшиқлар». *-Гапингизга қараганда, ҳамиятли, ҳимоятли, беш вақт намозни канда қилмайдиган мусулмон бир косибнинг қизи экансиз, — деди Ойша яллачи Латифахонга.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲИМОЯЧИ 1 Қўллаб-қувватловчи, ёрдам берувчи; ҳомий. *Отахўжа аканинг гапида жон борлигини тушуниб, корандалар жим ўтирар, энди уларнинг ҳимоячиси борлиги далда берарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Дарҳақиқат, ҳимоячи акалари туфайли унинг дўпписи доимо қайтоқи.* «Муштум».

2 Ҳужум, босқин ва ш.к. дан қўриқловчи, ҳимоя қилувчи. *Ватан ҳимоячилари.* ▬ *Самарқанддан қайтган чопар Бобурнинг ҳаёт билан ўлим орасида беҳуш бўлиб ётганини айтиб бергандан кейин, қалъа ҳимоячиларининг бир қисми фитначилар томонга қочиб ўтиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Армия ҳарбий советининг.. мурожаати, айниқса, кичик ер ҳимоячиларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

3 *ҳуқ.* Судда айбланувчининг манфаатини ёқловчи, уни ҳимоя қилувчи. *Жамоат ҳимоячиси.* ▬ *Тергов, суриштирув органлари томонидан олиб борилган тақдирда, ҳимоячининг ишда иштирок этиши ман этилади.* Газетадан.

4 *спрт.* Команданинг ҳимоя қисмида ўйновчи. *Болалар кўчани бошларига кўтариб, чангитиб, копток тепишарди.. Икки томоннинг дарвозабони, ҳужумчию ҳимоячилари бор.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Бу ўйинда ҳамшаҳарларимиз таркибида ҳимоячи Николай Маслов биринчи марта ўйинга тушди.* Газетадан.

5 Диссертация, лойиҳа ва ш.к. ни ҳимоя қилувчи, ёқловчи. *Ҳимоячи ўз қарашларини ишонарли далиллар билан асослаб, саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб берди.* Газетадан.

ҲИНГИЛЛАМОҚ *с.т.* Ҳирингламоқ. *-Сизга ўша қурилишингиздаги ҳингиллаган қизлар бўлса. Бўлмаса, нега кунда ишдан кеч қайтасиз? — деди Ойниса Йигиталига.* С. Кароматов, Бир томчи қон. [*Икки синфдош*] *Ҳингиллаб кулишар, катталардек қўлларини ҳаракатга солиб гаплашишар ва яна кулиб қўйишарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҲИНГИЛЛАШМОҚ Ҳингилламоқ фл. бирг. н. *Обиджон жуда қўпол ва беадаб бир топишмоқни қичқириб айтган эди, кампир уни қаттиқ қарғади, болаларга қўшилиб ҳингиллашган Нуриға пичинг қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲИНГИР-ҲИНГИР *айн.* **ҳиринг-ҳиринг.** *Ашир мастликдан юмилаётган кўзини йилтиратиб, ҳингир-ҳингир кула бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲИНД 1 Ҳиндистонда қадимдан яшаб келаётган тубжой аҳолининг номи. *Ҳинд халқи* (*қ.* **ҳиндлар**).

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Ҳинд чойи. Ҳинд аёли.* ▬ *Маъсума қизлигида ҳар замонда бир — ҳинд фильмлари қўйилаётганда борарди кинога.* А. Ибодинов, Бир томчи ёш.

ҲИНДИ(Й) Ҳинд халқига мансуб шахс. *Қаердан бўлса ҳам, ўша ҳиндини топасан ва назрини бериб, яхшилаб қайтариқ қилдирасан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Палата эшиги олдида бизни ҳиндига ўхшаган қопқора, катта-катта кўзлари ёниб турган бир йигит.. камоли эҳтиром билан кутиб олди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ҲИНДЛАР Миллатидан, динидан ва тоифасидан қатъи назар, Ҳиндистонда қадимдан яшаб келаётган тубжой аҳоли.

ҲИНДУЛАР *қ.* **индейслар.**

ҲИНДЧА *с.т.* Ҳинд халқи томонидан ишланган, яратилган. *Клубда ҳиндча кино кетаётган экан..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҲИРИНГЛАМОҚ «Ҳиринг-ҳиринг» овоз чиқармоқ, шундай товуш чиқариб кулмоқ. *У.. бир четда ҳиринглаб турган букри йигитга юзланди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аҳмад ҳам жилмайди. У бемаъни қаҳқаҳани, мунофиқона ҳиринглашларни ёмон кўрарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Жамол кумуш тишларини кўрсатиб, ҳиринглаб кулди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Қўзибой қошини чимириб, нимандир ўзича чамалаб турди-да, сўнг бирдан ҳиринглаб кулиб юборди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲИРИНГ-ҲИРИНГ *тақл.с.* Паст овозли кулги товушини билдиради. *-Гап-сўзда*

ҳам бир маъни бўлиши керак, — деди Гулшан, бўшдан-бўшга ҳиринг-ҳиринг; бундан кўра тинч ухлаган яхши. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Низомиддинов орқасидан эргашиб келаётган Турсунбой отага нималардир деб тушунтирар, ҳадеб ҳиринг-ҳиринг кулар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бу.. мастона довдирашлар, бу беҳаё ҳиринг-ҳиринглар жонингга тегмадими?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲИРОВУЛ [*мўғ.*] *тар.* Қўшиннинг олдинги сафи, авангард, илғор. *Қўшин ичида энг иш кўрган.. баҳодирларни саралаб, ҳировул тузиб.. Арғунбекка топширди.* Ойбек, Навоий.

ҲИРС [*а.* حرص — бирор нарсага қаттиқ берилиш, интилиш; тама, очкўзлик] **1** Етишиш, эришишга бўлган кучли интилиш, истак, майл. *Мол-дунё тўплашга бўлган ҳирс.* ▬ *Мерос олиш ҳирси билан ота-онангнинг ўлимини асло истамагин.* «Қобуснома».

Ҳирс қўймоқ Бирор нарсага ўта берилмоқ, ружу қилмоқ, кетидан қувмоқ. *Пулга ҳирс қўймоқ.* ▬ *Сарви холанинг ҳам суяги меҳнатда қотди. Аммо у мол-дунёга сира ҳирс қўймади.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Отасининг феълини билган Таманно бир-икки кундан бери ичкиликка ҳирс қўйган эрини туртиб уйғотди: -Туринг-э, уят бўлиб кетди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

2 *салб.* Жинсий ҳиссиёт, шундай ҳиссиётли майл. *..кўзлари сузук, лағча чўққа айланган қалби бетўхтов урар, шу чўғ туфайли аланга олаётган ҳирсни босишга қурби етмасди ҳатто.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *..ўзига қайноқ ҳирс билан ёпишишини ҳам доимо истарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ҲИРСИЙ [*а.* حرصى — ҳирс, майл, очкўзликка оид] *кам қўлл.* Ҳирсга оид. *Буни [бу гапни] Аъзам ўзича тушунди: қиз унинг ҳирсий ниятини тушунди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ҲИРСЛИ 1 Ҳирс қўйган; берилган. *Мол-дунё орттиришга ҳирсли одам.*

2 Жинсий ҳиссиётли, шундай ҳиссиёт акс этувчи (*қ.* **ҳирс 2)**. *Ортиқнинг ҳирсли кўзлари буни ҳам авради. Ўзига қараб кўз уриштирмаса тура олмайдиган қилиб қўйди.* Шуҳрат, Сайланма.

ҲИС(С) [*а.* حسّ — сезги, туйғу; идрок] **1** Ташқи таъсирни қабул қилиш қобилияти ва шу таъсирдан юзага келадиган ҳолат; сезги, туйғу. *Хаёлим саҳрода кезади уйғоқ, Ҳиссимни тортганди поёнсиз қирғоқ.* Ғайратий. *Бу қўшиқлар қизда ўзи ҳам нима эканини билмайдиган ҳислар уйғотар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сен чал бугун ялпи ҳаёт куйини, Бутун сезги, ҳиссим билан тинглайин.* Ғайратий. *Низомжон хатни кўрди-ю, қувончли, аламли, билиб бўлмайдиган бир ҳис вужудини қамраб олди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ҳис қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) 1) ҳис, сезги қобилияти билан нарса, ҳаракат-ҳолат ва ш.к. ни билмоқ, илғамоқ; сезмоқ. *Ёдгор елкасида қизнинг кафтидан ўтаётган ҳароратни ҳис қилар.. юраги ҳаяжондан гупиллаб урар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мулла Фазлиддин ўз юзида Хонзода бегимнинг нафасини ҳис қилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Манглайида совуқлик ҳис этиб, Кумуш кўзини очди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шербек.. Нигорага қаттиқ боғланиб қолганини ҳис этди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) бирор ҳолатда билмоқ; сезмоқ, туймоқ. *Ўзини енгил ҳис қилмоқ (этмоқ).* ▬ *Адиба шу бир уй меҳмон орасида ҳам ўзини ёлғиздек ҳис қилди.* Газетадан. *Бу магазинда у ўзини ўз уйидадек ҳис этишини яна бир марта кўрсатиб қўйгиси келди.* Ф. Мусажонов, Нозик масала.

2 Киши руҳияти, қалбидаги бирор нарсани акс эттирувчи, у билан боғлиқ сезги, туйғу. *Севги деб аталган бу ҳислар баҳор ёмғиридек шарр этиб ўтиб кетмасмикан?* Мирмуҳсин, Умид. *Ёшликда ҳамма ҳам олийжаноб ҳислар, соф виждон, ҳалоллик, номус ҳақидаги фикрлар билан тўлган бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қандай ҳислар, қандай фикрлар Қиз қалбини забт этиб олди?* Уйғун. *Унинг қарашида таҳлика, саросима ёки «ажаб бўлибди!» деган бир маъно, бир ҳис йўқ эди.* Ойбек, Навоий.

ҲИСЛАМОҚ *кам қўлл. айн.* **ҳис қилмоқ 2**. *қ.* **ҳис 1.** *«Мен сеники», дея киргандай У ўзини хўжа ҳислайди.* Ҳ. Олимжон.

ҲИСЛИ Сезиш, ҳис этиш қобилиятига эга; сезгир; ҳушёр.

ҲИСОБ [*а.* حساب — ҳисоблаш, ҳисоблаб, санаб чиқиш; саноқ; ҳисоб-китоб; якун чиқариш, ҳисобот] **1** Сон, миқдорни белгилаш учун рақамлаб аташ; саноқ, санаш. *Оғзаки ҳисоб. Ҳисобда янглишмоқ.* ▬ *Ясовулбоши ҳисобидан янглишмай, ўлим кал-*

тагини санайди. С. Сиёев, Ёруғлик. *Қирмоқдаман фашист ўғрини, Ҳисобимда ҳозир юз ўттиз.* Р. Бобожон. *Сенинг ҳисобингга тўғри келадими? Агар олган ҳисобимиз тўғри чиқса, бу гал унинг* [*Отабекнинг*] *Марғилонга қуруқ қатнаб юришининг еттинчи қайтаси эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳисобда бўлгани; миқдор, саноқ. *Ҳашарда қатнашаётганларнинг ҳисоби. Фермадаги қўйларнинг ҳисоби. Оларда ҳисоби — тўққиз, Берарда саноғи — ўттиз.* Мақол. ▬ *Рус шаҳарларига бориб савдо қилувчилар Туркистонда жуда оз ҳисобда бўлиб..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўрта ҳисобда Ўртача ҳисоб билан айтганда. *Жамоа ўрта ҳисобда йигирма беш центнердан ҳосил олади.* **Ҳисобга олмоқ** 1) ҳисобини, миқдорини белгиламоқ. *Мажлис қатнашчиларини ҳисобга олдим*; 2) ҳисобдагилар қаторига киритмоқ, ҳисобга қўшмоқ; ҳисобламоқ. *Ака-ука Ҳасанбек, Ҳусанбек, томда ишлаётган гуржи ва пастдаги икки йигитни ҳисобга олмаганда, қурилишда одам йўқ эди.* Мирмуҳсин, Меъмор; 3) эътиборда тутмоқ, эътиборга олмоқ. *Самарқанд ҳокими этиб тайинланган амирзоданинг ғоятда ёш эканини ҳисобга олиб.. шоҳ Малик Тархонни унга маслаҳатгўй ва ҳимоячи этиб тайинлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..ректорат ҳам унинг иккита имтиҳондан «қарзи» борлигини ҳисобга олиб, бу қарорни тасдиқлаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ҳисоби йўқ** Сон-саноғини белгилаб бўлмайдиган (белгилаш қийин) миқдорда, жуда ҳам кўп; беҳисоб, ҳисобсиз. *Хизмат қилар ҳисоби йўқ сипойи..* «Баҳром ва Гуландом». *..бир томондан кириб келаётганларнинг ҳисоби йўқ.* К. Яшин, Ҳамза. **Ҳисобига етмоқ** (*асосан, бўлишсиз шаклда*) Сон-миқдорини белгиламоқ. *Қишлоқ кулбаларининг чети кўринмас, ҳовлиларнинг ҳисобига етиб бўлмасди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Кимса ёки нарсаларнинг мавжудлигини, миқдорини белгилаш рўйхатидаги, унда қайд этилувчи мажмуи; қайд этилувчилар (этилганлар), борлар гуруҳи, қатори. *Инвентарь ҳисоби. Ҳисобга киритмоқ. Ҳисобдан чиқарилмоқ.* ▬ *Ҳали бу ҳисобга фуқародан ўлдирилган бечоралар кирмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Боягиси ўн биттамиди? Мана шу сўнггисини ҳисобга ёзинг..* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

Ҳисоб дафтари 1) шахс, нарса ёки сонмиқдор қатори қайд этилувчи дафтар. *У тирмашиб, хирмонга чиқа бошлади.. тарози ёнида турган Талъат уни кўриб қолди шекилли, ҳисоб дафтарини пахта устига ташлаб, чопиб келди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) сарф-харажат, тушум ва ш.к. лар қайд этилган дафтар. *-Ҳай, майли.. менда одамгарчилик бор, — дейди-да, ҳисоб дафтари билан чўтни олади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *айн.* **ҳисоб-китоб 5**. *У [Отабек] ўзининг душманларини ўлдириш учунгина Марғилонга қатнаб юрган экан, ҳисобини тугатди-да, бедарак кетди-қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳисоб қилмоқ *айн.* **ҳисоб-китоб қилмоқ** *қ.* **ҳисоб-китоб 1.** *У савдогарни ўз ҳузурингизга олиб келиб, ҳисобни ўзингиз қилганингиз хўброқдир.* «Бўтакўз».

5 Ўзаро келишув, битимга кўра олинадиган улуш, ҳақ. *Марғилондан арава миниб келувчи ёлланган киши бўлиб, Тошкентга келишининг эртаси куни ҳисобини олган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 (*асосан эгалик, ж.к. ва ч.к. қўшимчалари билан*) Кимса, жамоа ва б. тасарруфида, унинг ихтиёрида бўлган нарса, моддий бойлик, озиқ-овқат, пул ва ш.к. *Гапнинг қисқаси, ўзга халқлар ҳисобига яшади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Энди командировкага ҳам ўз ҳисобингиздан бориб келасизми?* С. Нуров, Нарвон.

7 Кўпчиликка ёки кимсага қилинган, бўлган ишлар ҳақида бериладиган маълумот. *Кейин қўли билан пешонасини сиқдида, ҳисоб беришга бошлади.. қалтираган қўллари билан чўт қоқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отни бир оз совитдим, беда солдим, — Қобил, биров ундан: «Нима қилиб юрибсан?» деб сўраётгандай, ҳисоб берди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Меҳмонхоналардан бирида Мирзакаримбой ўз гумаштасидан ҳисоб олар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 *кам қўлл. айн.* **ҳисобот**. *Раҳбарнинг ярим йиллик ҳисоби.* ▬ *Менинг икки оёғимни бир этикка тиқиб, ҳисобимни қўйишлари мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

9 *эск. айн.* **арифметика**. *Янги мактаблар очиб, Қуръони карим ва бошқа диний дарслар билан бирга, жуғрофия, тарих, ҳисоб каби илмларни ҳам таълим берайлик.* Ой-

бек, Танланган асарлар. *Иккинчи дарсда Зоҳидов деган ёшгина.. бир йигит ҳисобдан дарс берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

10 *махс.* Ҳисоблаш, ҳисоблаб чиқиш натижаси. *Баъзан у узундан-узоқ ҳандасавий ҳисобларни қоғозга ёзиб қолар, яна ўйчанлик билан қамиш қалам орқасини ғажий бошларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

11 Бирор нарса учун тўланадиган пул суммаси қайд этилган ҳужжат. *Ҳар бир студент-қурилиш отрядида иқтисод ва ҳамкорлик шахсий ҳисоблари очилган.* Газетадан.

12 *бух.* Бирор муассаса, ташкилот ва ш.к. да бухгалтерия иш-муомаласини олиб бориш (юритиш) учун хизмат қилувчи молиявий операция, шунингдек, ҳужжатлар.

13 Спорт ўйинида томонлар очкосини белгиловчи рақамлар (рақамларда ифодаланувчи сонлар) нисбати. *Ўйинда ҳисоб тенглашди — 2:2. Бу гал 5:2 ҳисоби билан меҳмонлар ғалаба қилишди.*

Ҳисобни очмоқ Ўйинда биринчи бўлиб 1 рақами билан қайд этилувчи амални бажармоқ. Мас., биринчи тўпни киритмоқ. *Ўйиннинг ўттиз тўққизинчи минутида Боқи ҳисобни очган эди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

14 Гап охирида (кесим таркибида) «деса бўлгудек», «деярли» маъносини билдиради. *Газ қуритадиган саккизта насоснинг ҳаммаси монтаж қилиб бўлинди ҳисоб.* Газетадан. *На хотин, на бола-чақа. Дунёдан тоқ ўтдик ҳисоб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Элчиев Рўзиев билан унчалик яқин эмас, ошқатиқ бўлган жойи ҳам йўқ ҳисоб.* Э. Аъзам, Жавоб.

15 Бирор иш, хатти-ҳаракатнинг қаноатланарлилигини, ўрнига ўтишини билдиради. *Оёғингизга қўй сўйсак арзийди, Юсуфжон ака. Бу ҳисоб эмас, ҳовлига борамиз..* К. Яшин, Ҳамза.

16 *с.т.* Илож, чора; имконият. *Дарёдан ўтишнинг ҳисоби борми?* ▬ *Қайтай десам — қувади, ўтиб кетишнинг сира ҳисоби йўқ..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дардим ичимда. Бир олдингизга бориб, юрагимни ёзиб келаман дейман, сира ҳисобини қилолмайман.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

17 *фольк.* Нима қилиш, иш-фаолият режаси, иш олиб бориш йўли. *Бу сўзни қиз эшитиб, ақлини йитириб, ҳисобини йитириб, шошиб қолди.* «Муродхон».

18 (*3-ш. эгалик ва ж.к. шаклида* — **ҳисобига**) *кўм. взф.* Асос, сабаб, қарашлилик каби муносабатларни ифодалайди; эвазига, учун, туфайли. *Катта меҳнат ҳисобига шундай натижаларга эришилди.* ▬ *Бу йил узумдан биринчи маротаба давлат ҳисобига ҳосил йиғиб олинди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Оғир минутларда биз фақат солдатларимизнинг мардлиги ва қатъийлиги ҳисобига душманни тутиб турардик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Бир ҳисобда Бошқа томондан олиб қараганда; бир жиҳатдан. *Бир ҳисобда, айтмаганимиз дуруст бўлди.* ▬ *Бир ҳисобда, дадамнинг ухлаб қолгани менга яхши бўлди. «Победа»да бир ўзим маза қилиб кетаман..* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ҲИСОБДА *айн.* **ҳисобли 1**. *Ҳозир тракторларнинг ҳар бир минути ҳисобда.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Сув ноёб, унинг ҳар томчиси ҳисобда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲИСОБДОН [*а.* + *ф.* حسابدان — ҳисобни (яхши) билувчи; аниқ, пухта ишловчи] *эск. кам қўлл.* Ҳисобида адашмайдиган, ҳисобини яхши биладиган, тўғри ҳисоб юритадиган. -*Ҳисобни ёлғиз бойлар биладилар деманг, — деди гапга қўшилмай.. ўтирган соқоли қирқиқ бир йигит, — ёлланиб ишловчилар ҳам ҳисобдон бўлган.* С. Айний, Қуллар. *Соат кундуз бирдан кечиксак, овқатимиз даладан қайтиб келади. Одамлар жуда ҳисобдон бўлиб қолган, ҳар бир дақиқасини ҳисоблаб юради.* И. Раҳим, Ҳилола. *Уни қилни қирқ ёрадиган ҳисобдон, деб таърифлашади.* М. Назаров, Жўш лочини.

ҲИСОБДОР [*а.* + *ф.* حسابدار — ҳисобга эга; ҳисоб берувчи; ҳисобчи; бухгалтер] *эск.* Ўз ишлари ҳақида бирор кимса ёки ташкилотга ҳисобот бериб турадиган. *Ҳисобдор шахс.*

ҲИСОБ-КИТОБ 1 Бажарилган иш, хизмат учун қилинган сарф-харажат ва тўланадиган ҳақнинг ҳисоби. *..шу кунгача баъзиларнинг ҳақига хиёнат қилинди. Ҳисоб-китобда улар ўз ҳақларини талаб этадилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. -*Шартномани бажардик, хўжайин, энди ҳисоб-китоб.. — деди секингина.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Қутбинисо бойнинг ҳисоб-китобини тинглаб..*

ниҳоят, беш қадоқча хашаки ўрик ундириб қайтади. П. Турсун, Ўқитувчи.

Ҳисоб-китоб қилмоқ Шундай ҳисобни амалга оширмоқ, ҳисобламоқ. *Қиз машинадан тушиб, шофер билан ҳисоб-китоб қилаётиб, кулиб қўйди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Қараса, кабобпаз йигит: -Ҳисоб-китобни қилинг-у, улфатингиз билан даф бўлинг, — деб турибди.* «Гулдаста».

2 Кирим-чиқим, даромад ва харажатлар ҳисобини қилиш; ҳисоблаш. *Мирҳосил дарё бўйидаги брезент чодирда ёлғиз чўт қоқар, ҳисоб-китоб билан машғул эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

3 Шундай ҳисоб ишларини олиб бориш ва қайд этиш, шунингдек, қайд этилган ҳужжат. *Ҳисоб-китоб ишларидаги чатоқликлари туфайли бухгалтер Маюсуф ишдан бўшаб кетди.* «Муштум». *Жамоанинг ҳисоб-китоб ишларини олиб боришга сиздай ўқимишли кишилар керак.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

4 Умуман, бирор нарса ҳақида олиб борилган ишлар ҳисоби, ҳисоб натижалари. *Ҳисоб-китобларга кўра.. бундай чиқиндилар миқдори 1980 йилга бориб йилига 30 миллион тонна, Ўзбекистонда эса Олмалиқ, Самарқанд ва Қўқондаги ўғит заводлари чиқиндиси саккиз миллион тоннани ташкил этади.* «Фан ва турмуш».

5 *кўчма* Ўзаро муносабат, уни бир ёқли қилиш. *Руҳингиз шод бўлсин, қурбон бўлганлар, Келди ёв-ла ҳисоб-китоб онимиз.* В. Зоҳидов, Ҳаётбахш бадиият тароналари. *Большевиклар билан ҳисоб-китобни тугатамиз!* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

Ҳисоб-китоб қилмоқ 1) бир ёқли қилмоқ, ҳисоблашмоқ. *Душман билан ҳисоб-китоб қиладиган вақт етди;* 2) ишдан бўшамоқ. *Мунира туғуруқхонадалигида Аҳмад ишхонасига бориб, узил-кесил ҳисоб-китоб қилиб келди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Ҳисоб-китобини олмоқ** *айн.* **ҳисоб-китоб қилмоқ 2**. *Маҳкамовнинг отпускаси тугаши билан унга «ҳисоб-китобингни ол», дейишди.* «Муштум».

ҲИСОБЛАМОҚ 1 Санаб, миқдорини аниқламоқ, санамоқ. *Пулни ҳисобламоқ. Минутларни ҳисобламоқ. Бармоқ билан ҳисобламоқ. Экилган кўчатларни ҳисоблаб, яна 20 туп экиш кераклигини айтди.*

2 Номаълум бир миқдорни ҳисоб йўли билан аниқламоқ, ҳисоблаб топмоқ. *Ҳозир бир центнер пахта неча меҳнат кунига тушади? Ўрмонжон буни ҳеч қачон ҳисоблаб кўрмаган бўлса керак, жавоб бера олмай илжайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна давлатга қўшимча «кумуш тола» етказиб беришга аҳд қилишди.* Газетадан. *..ҳисоблаб қарашса, йигитчанинг гарданига пирасант [процент] билан роса саккиз юз сўм пул тушибди..* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ҳисобга олмоқ, ҳисобланувчи нарсалар қаторига қўшмоқ. *Табиатимни ланж қилган баъзи нуқсонларни ҳисобламасам, мен сафаримдан хурсандман..* «Муштум». *Овқат, кийимни эмас, сувни ҳам ҳисоблайди у қизиталоқ [бой].* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёғга ҳисоблаб, 35 минг 500 сўмга сут сотиб олиб топширганмиз дегин..* «Муштум».

4 Бирор тарзда баҳоламоқ, маълум бир хулоса чиқармоқ; -деб билмоқ, ўйламоқ. *Ҳаёти мобайнида икки туп ниҳол экиб ўстирган инсон ўз умрини мазмунли ўтди, деб ҳисоблашга ҳақлидир.* Газетадан. *..шу мактубни олган кунингиздан бошлаб ўзингизни мендан бегона ва никоҳимдан ташқари ҳисобласангиз бўладир..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Операция пайтида хирург энг яқин одамини ҳам бегона ҳисоблайди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Аёлни камситган кимсани одам ҳисобламанг.* Газетадан.

5 *махс.* Номаълум сонни ҳисоблаб чиқармоқ, шу мақсадда ҳисоблаш иши олиб бормоқ. *Бу формулалар шамолнинг тезлигини ҳисоблаш имконини беради.*

ҲИСОБЛАНМОҚ 1 Ҳисобламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Тарозида тортиш натижаларига қараб, тухумнинг вазни ўрта ҳисобда неча грамм ва неча процент камайганлиги ҳисобланади.* «Ўзбекистон паррандачилиги». *Суиқасдга алоқадор ҳисобланиб, ҳибсга олинганлар ичида машҳур меъмор Нажмиддин Бухорийнинг ўғли Низомиддин ҳам бор эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Боғлама вазифасини бажаради (қ. **боғлама)**. *Кислород ҳавонинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.* Газетадан. *Ўтар бобонинг отаси.. ҳам хон табиби эди, сарой одамларидан ҳисобланарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Беғаразлик билан қилинган яхшилик — ҳар икки киши учун ҳам катта бойлик ҳисобланади.* Газетадан.

ҲИСОБЛАШ 1 *айн.* **ҳисобламоқ**. *Бу ишга қанча вақт ва маблағ кетишини ҳисоблаш*

қийин эмас. ▬ *..дафтардан бошини кўтармай, ниманидир ҳисоблашга тушди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ҳисобловчи, ҳисоблаб чиқарадиган. *Ҳисоблаш машинаси. Ҳисоблаш техникаси.*

ҲИСОБЛАШМОҚ 1 **Ҳисобламоқ** фл. бирг. н. *Анови кун Маражаббек билан ҳисоблашиб кўрсак, Қўқоннинг ўзидан икки йилнинг ичида етмиш саккиз бек ўлдирилибдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баъзилар Саидийнинг бу шошқалоқлигига, ўзини тутолмаслигига катта аҳамият бериб, унинг гапда иштирок этишини ҳам хавфли ҳисоблашар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ўзаро ҳисоб-китоб қилмоқ, ора очиқ қилмоқ.

3 (*«билан» кўмакчиси ёрдамида*) Ишфаолият, муомала ва ш.к. да ҳисобга олиб иш тутмоқ; ҳисобга олмоқ. *Шароит билан ҳисоблашмоқ. Қонун билан ҳисоблашмоқ.* ▬ *Козимбек ўқитувчилар у ёқда турсин, ҳатто илмий мудир билан ҳам ҳисоблашмади.* А. Иброҳимов, Сўнгги нур. *Ўша йиллари Уйғур актёр сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам ёш театр ишқибозлари унинг фикри, маслаҳати билан ҳисоблашардилар.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

ҲИСОБЛИ 1 Ҳисоби, сони, миқдори белгили. *Омонатин ахир бир кун олади, Ҳисобли кун ахир бориб тўлади..* «Эрали ва Шерали».

2 Ҳисобга олинган, ҳисобда бор; ўлчовли. *Ўрмондаги турмушни ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Ҳар бир қултум сув, ҳар бир бурда нон ҳисобли.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..вақтингни кўп олиб ўтирмай. ҳар минутинг ҳисобли.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

3 Унча кўп эмас, чекланган миқдордаги, саноқли. *Янги йилга ҳисобли кун қолди.*

4 Ўзаро ҳисоби, ҳисоб-китоби жойида бўлган. *Ҳисобли дўст айрилмас.* Мақол.

ҲИСОБОТ [*а.* حسابات – «ҳисоб» с. нинг кўпл] **1** Ўз ишлари, топшириқнинг бажаралиши ва ш.к. ҳақида тегишли масъул шахс, ташкилот кабиларга бериладиган (берилган) оғзаки ёки ёзма тарздаги расмий ахборот. *Йиллик ишлар ҳисоботи. Командировка ҳисоботи. Депутатнинг сайловчилар олдидаги ҳисоботи.* ▬ *Йиғим-терим даврида айрим бригадаларнинг ҳисоботи эшитиб турилди.* Газетадан. *Мана бу ҳисоботларни институт илмий секретарига топшириб, кейин «Фан»га ўтасиз..* С. Нуров, Нарвон.

2 Шундай ахборотни эшитиш учун бўладиган йиғин. *Йиллик ҳисоботга уч кун қолганда «Ғалаба» колхозининг раиси Маҳмуд Бекмирзаевни райкомга чақиришди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Ҳисоботдан сўнг Султонов райondan келган икки вакилни капасига таклиф этди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

Ҳисобот даври Ҳисоботда қайд этиладиган ахборот, маълумотларни ўз ичига оладиган давр. *Ҳисобот даврида асосий эътибор пахтачиликни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилди.* Газетадан.

ҲИСОБСИЗ 1 *кам қўлл.* Ҳисоби йўқ, ҳисобга олинмаган.

2 Ниҳоят кўп, сон-саноқсиз, чегарасиз, беҳад. *Ҳисобсиз бойлик. Ҳисобсиз имконият.* ▬ *Нима кўп – деҳқон кўп. Қўшни қишлоқларда санқиб юрганлар, очлар ҳисобсиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Раъно ҳам Анварнинг сўзига диққат билан қулоқ солар ва кўпинча ҳисобсиз саволлар билан уни кўмиб ташларди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲИСОБЧИ 1 Муассаса, корхона ва ш.к. да молия операциясини, ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ходим. *Ҳисобчи Қамбарали Мадиёров бу йилги дала ишлари учун қанча маблағ ажратилганини, ундан қандай фойдаланиш зарурлигини билмайди.* Газетадан. *Раис мовун [муовин] айлади битта божасин, Ҳисобчига танлади катта поччасин.* Э. Охунова, Қулоғингизга гапим бор.

2 Сарфланган нарсани, мас., меҳнатни ҳисоблаб борувчи шахс; табелчи. *Трактор бригадасининг ҳисобчиси.* ▬ *Бригадир ҳам, ҳисобчи ҳам бошқаларга гапиргани қўрқишади. Сенинг тилинг бир чиқмасин экан, деб ҳамма менга ёпишади.* «Ёшлик».

ҲИСОБЧИЛИК 1 Ҳисобчи, ҳисоб-китоб иши, ҳисобчи вазифаси (*қ.* **ҳисобчи 1).** *Бундай қараганда, ҳисобчилик шунчаки енгил-елпи юмушдек туюлади. Бироқ бу иш мураккаб.* С. Қодиров, Минг бир бўстон бағрида.

2 Ҳисобчи, табелчи иши, вазифаси (*қ.* **ҳисобчи 2).** *Ўскинбой далада кетмон чопди, ер суғорди, пахта терди, бригадага ҳисобчилик қилди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҲИСОРИ(Й) [*ф.* حصارى < *а.* حصار – ўраб олиш; қуршов, қамал; мустаҳкам

қалъа] Тожикистон Республикасининг Ҳисор ҳудудига оид; шу ҳудудда етиштирилган, ишлаб чиқарилган. *Алиқул дарҳол бозорга жўнади, бўрдоқи қилинган ҳисори қўй келтириб, шу куниёқ сўйди-да..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *..вақти чоғ — бугун қозонга бутун бир ҳисорий қўчқорнинг гўшт-ёғи солинган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бўриев бўғжомадан ҳисори беқасамдан тикилган бир тўнни олиб, мулла Обидни чақиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲИССА [*а.* حصّه — бўлак, қисм; улуш; фойданинг бир қисми] **1** Маълум мақсад билан бўлинган, қисмларга ажратилган нарсанинг ҳар бир бўлаги, қисми; қисм, бўлак. *Ҳосилнинг тўртдан уч ҳиссаси.* ▬ *Кейин лойқа сувда балиқ тутиб, ўзига катта ҳиссани қўпоради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Муайян шахс ёки нарсанинг ҳақ-ҳуқуқи, имкони; тан, чек. *Мажididдин.. ўз ҳиссасига тушган туманларни санаб чиқди.* Ойбек, Навоий.

3 *айн.* **улуш 1**. *Ўз ҳиссасини ортиғи билан олди.* ▬ *Илгарига, ҳеч бўлмаса, ҳар кимга ўз ҳиссаси тушади, деган умид бор эди. Энди уч хотинга бир ҳовучдан ер, қолган ҳаммаси Зебихонга..* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *..мадраса вақфидан кутубхонадор учун ҳам ҳисса тайин қилганлар.* С. Айний, Эсдаликлар.

4 Бирор нарса, умумий иш ва ш.к. ни ташкил этувчи қисм; унга қўшиладиган қисм; улуш. *Бу ишда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор.* ▬ *Ислом маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган муҳтарам зотларнинг номлари бутун оламга машҳур.* Газетадан. *Ушбу нашрга Лутфийнинг ўзбек классик шеърияти тараққиётига залворли ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб шеърий меросидан намуналар киритилди.* Газетадан.

5 *эск.* Бирор ташкилот ёки тўдага қўшилиш, шерик бўлиш ёки аъзо бўлиш учун кириш ҳақи сифатида тўланадиган ҳақ, пай.

6 Марта, баробар. *Уч ҳисса ортиқ. Даромад ўтган йилгига нисбатан икки ҳисса кўпайди.* ▬ *Бурноғи йили.. саноат корхоналари икки ярим ҳисса маҳсулот етказиб берди.* Газетадан. *..шундай воқеалар содир бўлдики, булар даҳшатли афсонадан минг ҳисса ёмонроқ бўлиб, уларни даф қилишга сўфиларнинг азони ҳам кор қилмай қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Қиссадан ҳисса *қ.* **қисса 3**. **Ҳиссасини чиқармоқ** Йўл қўйилган хато-камчилик, йўқотилган нарса, имконият ва ш.к. нинг ўрнини тўлдирмоқ, уни қоплайдиган, ўрнини босадиган иш қилмоқ. *-Кун шундай исиб турса, июлда мўлжалга етиб олиш мумкин. Куз ҳам баҳорнинг ҳиссасини чиқармай иложи йўқ эди, — деди Холмирза.* И. Раҳим, Ҳилола. *Сидиқжон, худди кеч келганимнинг ҳиссасини чиқараман дегандай, дарров ишга тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲИССАДОР [*а.* + *ф.* حصّه دار — ҳиссаси бор; ҳиссага эга; шерик, пайчи] *эск.* Ҳисса қўшган, пай киритган, шерик. *Ўша кунларда бир ҳиссадор ширкатга оз сармоя билан бўлса ҳам шерик бўлди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ҲИССИЁТ [*а.* حسّیات — ҳис-туйғулар ва уларга берилганлик; ҳиссий ҳолатлар] Киши руҳиятида юзага келган ҳиссий ҳолат; шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган кечинмалари. *Ҳулкарнинг Роҳила холага раҳми келди, уни аллақандай бир ҳиссиёт ҳаяжонга солди.* Ж. Абдуллахонов, Тўйга келинглар. *У ширин, оромбахш ҳиссиётлар қуршовида туннинг қандай ўтганини ҳам билмай қолди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Бугунги кун ёзувчиси замонамиз кишисининг ўй-хаёллари ва ҳиссиётларини ўз қалбида туйган ижодкордир.* «ЎТА». *Кишининг ички ҳиссиётини юзидаги ўзгаришлардан тезда пайқаб олувчи Исломхўжа қизидаги аламизтиробнинг изларини дарҳол сезди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲИССИЁТЛИ **1** Ҳис этиш қобилияти кучли. *Ҳанифа Мавлонова ниҳоят баланд овозли, лирик ҳиссиётли артистка.* Ю. Ҳамдам, Дўстлик қўшиқлари.

2 Ҳиссиёт ифодали. *Бердақ нафис ҳиссиётли, теран ижтимоий мазмунли лирик шеърлар яратди.* В. Зоҳидов, Ҳақиқат жарчиси.

ҲИССИЁТЧИ *с.т.* Ички кечинмаларга, ҳис-туйғуларга ғоят берилувчи.

ҲИССИЙ [*а.* حسّی — сезгига, ҳис-туйғуга оид; сезиб, билиб бўладиган; сезиларли] **1** Ҳис, сезгига оид. *Дунёга келган чақалоқлар*

улғайгани сайин, уларда ҳиссий аъзолар аста-секин шакллана боради. «Фан ва турмуш».

2 Ҳис-туйғу билан боғлиқ, ҳиссиётни ифодаловчи. *Ҳиссий ҳолат. Ҳиссий кечинмалар.* ▬ *Қитъа тили учун ғазалга хос бўлган ҳиссий бўёқлар ёлқинида сўзларни жилвалантириш тамойили характер касб этмайди.* «ЎТА». *Ўзида юксак ҳиссий-ахлоқий маданиятни мужассамлантирган тарбиячигина бола кайфиятига мос воситаларни танлай билади.* «Фан ва турмуш».

ҲИССИЗ 1 Сезиш, ҳис этиш қобилиятидан маҳрум, сезмайдиган; ҳушсиз. *Наҳот жумҳурият матбуоти Кенжалар сингари бадхоҳ, жоҳил, ҳиссиз, кишининг камолотини кўролмай турганлар қўлида бўлса!* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шоирни ҳеч таниганми ҳиссиз димоғдор..* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Ҳиссиёт, ҳис-туйғудан холи; бирор ҳис-туйғу уйғотмайдиган. *Очеркда қаҳрамон ҳақида фақат унинг планни ортиғи билан бажариши ҳиссиз баён этилган.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *-Бўлди.. йиғламанг, — унинг овози негадир ҳиссиз, совуқ эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҲИС-ТУЙҒУ Ҳис ва туйғу; ҳислар, ҳиссиёт. *Ҳаёт воқеаларининг кучли таъсири остида қўзғалган ҳис-туйғу, ички кечинма, фикрларни ифода этувчи асарларга лирик асар дейилади.* «Адабиёт назарияси». *У чиндан ҳам Муҳаммаджонни ва ўзининг у ҳақдаги ҳис-туйғуларини яхши билмас эди.* П. Кодиров, Уч илдиз. *Йиллар ўтган сари шоир ижодида фикрлар уфқи кенгайиб, ҳис-туйғулар тобора сержило бўлиб боради.* У. Норматов, Кўнгилларга кўчган шеърият.

ҲИФЗ [*а.* حفظ — сақлаш; сақланиш, муҳофаза; эсда тутиш] *эск.* Сақлаш, сақланиш; муҳофаза, паноҳ. *Парвардигор! Жигарбандларимни ўз ҳифзингга олишингни сўрайман!* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

Ҳифзи сиҳҳат *эск.* 1) киши саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш; 2) тозалик, гигиена. *Ҳифзи сиҳҳатга риоя қилмоқ.* ▬ *Аввал бозорига бориб, савдо-сотиқ қилаётган эркак-аёлларга ҳам ҳифзи сиҳҳат, покизаликнинг фойдасини қайта-қайта тушунтирар эди.* К. Яшин, Ҳамза. **Ҳифзи ҳимоят** *эск.* Ҳимоя, паноҳ. *..биз дуогўй падарингиз, муштипар онангиз ва яқин дўстларингиз мунда ҳақ таолонинг ҳифзи ҳимоятида сиҳат-саломат бўлиб..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲИҚ *тақл.с.* Ҳиқичоқ тутганда, нафас тиқилганда ҳосил бўладиган узуқ, қисқа товушни билдиради (*қ.* **ҳиқичоқ**). *Элмурод фақат Маъмуржоннинг «ҳиқ» этган товушини эшитиб қолди, холос.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲИҚИЛДОҚ 1 Нафас йўлининг (бурун бўшлиғидан кейин) иккинчи қисми; овоз ҳосил қилувчи аъзо (кекирдакка ҳаво ўтишини таъминлайди ва унга қаттиқ, суюқ моддалар тушишига тўсқинлик қилади).

2 Бўйиннинг олд қисми; бўғиз, томоқ. *Шу вақт унинг* [*Муталнинг*] *қўлтиғи остидан узатилган қўл ҳиқилдоғидан омбир каби сиқиб олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

(Жони) ҳиқилдоғига келмоқ (*ёки* **етмоқ**) *қ.* **жон 1.** *Бу «ахборотчи» амаки Ҳалиманинг ҳиқилдоғига келган. У пок-у бошқалар суюғоёқ, у билимдон-у бошқалар нодон..* «Ўзбекистон қўриқлари». *У вақтда машина яхши, тоза термас эди. Шермат аканинг эса жони ҳиқилдоғига келар эди.* А. Ҳайитметов, Шонли авлод. *Ниҳоят, сен айтгандек, жоним ҳиқилдоғимга етди-да, ўғлингни.. йўлдан қайтариб қолгувчи ҳам мен ўзим бўлдим..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲИҚИЛЛАМОҚ 1 «Ҳиқ-ҳиқ» этган овоз чиқармоқ. *Ҳиқиллаб йиғламоқ.* ▬ *Нурхон ҳиқиллаб, кўзларини арта бошлади.* О. Ёқубов, Ларза. *Низомжон кўп гапирмоқчи эди, ўпкаси тўлиб, гапи томоғидан чиқмай, ҳиқиллаб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У ҳиқичоқ тутган каби ҳиқиллаб, ютина-ютина ташқарига чиқди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

2 Етишиш, эришиш талабида бўлмоқ, шу мақсадда қаттиқ сўранмоқ, зорланмоқ. *Мен шаҳарни ҳеч кўрган эмас эдим. Шунинг учун, онам қаёққа борса, шу ёққа кетидан эргашиб, ҳиқиллаб борардим.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан. *Қумринисо ўлгур «Бурушган, тиришган башарамизни кўргани ким ҳиқиллаб турган экан», деб қочиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲИҚИЧОҚ Диафрагманинг тортишиб қисқариши натижасида нафас йўлидан тўсатдан, ғайриихтиёрий чиқадиган товуш ва шу жараённинг ўзи (қорин бўшлиғининг баъзи касалликларида ва бош ёки орқа мия шикастланганда рўй беради). *Мадорсиз одам овоз чиқариб йиғламас экан.*

Унинг йиғиси бориб-бориб, ҳиқичоққа айланди. Н. Фозилов, Қуш — қаноти билан.

Ҳиқичоқ тутмоқ Ҳиқичоқ ҳолати юз бермоқ. *Боғланган қўлим билан оғзимни пана қила-қила, нонни туширдим. Бирдан ҳиқичоқ тутиб қолди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Эрининг пойма-пой алжирашидан кўра тинмай ҳиқичоқ тутиб ҳиқиллаши унинг ғашига тегмоқда эди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ҲИ-ҲИ *тақл.с.* Ғайритабиий кулгида чиқадиган товушни билдиради. *Радио қўшинларимиз Киевни ташлаб чиққани ҳақида хабар берди. Бу одам, ҳаммадан олдинда, ҳовучини қулоғига қўйиб тингламоқда эди, бирдан баланд овоз билан: -Оббо! Ҳи-ҳи.. — деди.* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи. *«Енгилтак», деб сўкинди Саидғози ичида. Бўлмаса, қаламнинг учи синса ҳам ҳи-ҳи-ҳими!..* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲИҲИЛАМОҚ «Ҳи-ҳи» деган товуш чиқармоқ (енгил кулгида). *Нега ҳиҳилайсан?!* ▬ *Бу гап мулла Аброрга таъсир қилди шекилли, ҳиҳилаб кулиб юборди.* «Муштум».

ҲММ *айн.* **ҳимм**. *Элмурод хаёл ичида аста-секин одимлар экан, гапирди: -Ҳмм.. Ҳали гап шунақа денг, мен эшитмаган эканман.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳмм... биламан, дардингизни учуруқсиз айтаверинг.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ҲО I *унд. с.* **1** Чақириқ, мурожаатни билдиради; ҳой, ҳей, эй. *-Болалар, ҳо болалар! — деб чақириб қолди Боқи, звеносининг ерларини айланаркан.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *-Қани, ҳо йигитлар! Ишга! Ишга, азаматлар! — деган товуш эшитилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Чақириққа жавоб тарзида «ҳа», «ҳа, нима дейсиз», «эшитаман» каби маъноларда ишлатилади. *Биров чақиряпти, «ҳо» деб қўй.*

3 («о» — *чўзиқ*) Таажжубланиш, ишонмаслик, кесатиш каби маъноларни билдиради. *-Энг баланд чўққига чиқдик. -Ҳо, шунақами?* ▬ *-Ҳо, ҳали шундай денг.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

4 *бол.* Рози эмаслик, рад этиш каби маъноларни ифодалайди. *-Ўйинчоғингни бериб тур! -Ҳо!.. (бермайман).*

5 Суюнч, ҳаяжон ифодалайди (чўзиброқ талаффуз этилади). [*Юсуфбек ҳожи*] *Ҳасаналини кўриши ҳамони: -Ҳо-о-о, бизнинг Ҳасанали-ку! — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲО II *айн.* **ҳов** I **1**. *Чўпон қарши томондаги тоғнинг осмонга тегай деб турган чўққисини кўрсатди: -Ҳо, кўрдингми, бургут қўниб турган чўққини?* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲО III [*ф.* خواه — хоҳловчи, истовчи; истак, ният]: **ҳою ҳавас** Кўнгилда бўлган, амалга ошириш кўзда тутилган орзу-истак, эзгу ниятлар. *Яқиндагина автомобиль юртдошларимиз учун ҳою ҳавас ҳисобланган бўлса, бугунги кунда у одатдаги транспорт воситасига айланди.* Газетадан. *Менимча, ақллиликнинг нишонаси шуки, оқил киши ўз нафси устидан ҳукмрон бўлади, сабр ва чидамга эга бўлади, ҳою ҳавасни ўзидан узоқлаштириб, ақл доирасидан четга чиқмайди.* Газетадан.

ҲОВ I **1** Узоқдаги кимса ёки нарсага ишорани билдиради. *Ҳов тепаликдаги оқ тошни кўряпсанми? -Сигирлар қани? -Ҳов ана, тепаликда ўтлаб юрипти.* ▬ *Боринг, ҳов сой бўйига муздек жой қилинг!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бирваракайига одамлар орасида гап тарқалди: -Ҳасанова келяпти, қаранглар, ҳов ана.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Анча илгариги нарса, ҳодисага ишорани билдиради. *Албатта, ёдингизда бўлса керак, ҳов, биз Сарибойнинг дўконида чой ичишиб ўтирган эдик-ку, ёдингизга тушдими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳов бирда *с.т.* Бир неча вақт илгари, аллақачон, кунлардан бир кунда. *Агар рухсат берсангиз, ҳов бирда сизга кўрсатган мактубни ўртоқларга ўқиб эшиттирсам.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ҲОВ II *унд.с., с.т. айн.* **ҳо** I **1.** [*Ёрмат*] *Йўлчига буюрди: -Ҳов йигит, кечаги чопиқни битириб қўйинг!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОВ III *тақл. с.* Ит ҳургандаги овозни ифодалайди; вов. *Лекин кучук кескин бир «ҳов» билан жим бўлди, ялқовланиб, яна ётди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОВВА *шв.* Жавобда розилик, тасдиқ маъноларини билдиради; ҳа. *-«Кофир» Аваз шул йигит экан-да? -Ҳовва.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲОВЛИ **1** Бирор оила, хўжалик, ташкилот ва ш.к. га тегишли жойнинг иморат

қурилмаган, одатда, атрофи ўралган қисми. *Қўшнининг ҳовлиси. Мактаб ҳовлиси. Ҳовлига сув сепмоқ. Ҳовлига гул экмоқ.* ▬ *Тўйга келганларнинг бари шовқин-сурон билан охири ҳовлидаги столларга бир-бир жойлашиб ўтиришди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Чап соҳилда эса, қадимий чинор тагида чойхона, унинг ҳовлисида биллурдек тиниқ чашмалар қайнаб ётади.* Газетадан. *Шу лаҳза карвонсарой ҳовлисида ўзининг саман йўрға байталида Ҳожи табиб пайдо бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бирор оила, хонадон яшайдиган уй (шу уйга қарашли саҳн ва ер майдони билан бирга); ҳовли-жой, уй-жой. *Ҳовли сотиб олмоқ. Ҳовлидан кўчиб кетмоқ. Ҳовли тўйи. Ҳовли олма, қўшни ол.* Мақол. ▬ *Қишлоқ кўчалари жимжит, фақат ҳовлиларда нимадандир безовта бўлиб итлар ҳуришади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Дала ҳовли, далаҳовли Шаҳарликларнинг ёзда дам олиш учун шаҳардан четда жойлашган ҳовлиси. *Дала ҳовлининг олдидан катта сой оқиб ўтади.* Газетадан. **Ички** (*ёки* **ичкари**) **ҳовли** *айн.* **ичкари 2**. *Бойбува ичкари ҳовлидан ҳассасини тўқиллатиб чиқиб келди.* «Эртаклар».

3 Хонадон, оила. *Мирзо Анвар уч-тўрт кундан бери менинг ҳовлимда қўниб юрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Аҳмаджон «урушга кириб кетдим», деганича икки ой хат қилмагани учун ҳовлидагилар не-не хаёлларга боришган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ҲОВЛИ-ЖОЙ *айн.* **ҳовли 2**. *Орадан кўп ўтмай Меъморнинг ҳовли-жойларини сотиб, шаҳардан чиқиб кетганини эшитди.* Мирмуҳсин, Меъмор. -*Пулни беҳуда сарфламанг, мулла, уч-тўртта гилам, бир-иккита сигир олиб қўйинг, ҳовли-жой қилинг. Ёлғиз беданага ҳам дон керак, ҳам сув,* — *деди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОВЛИҚМА 1 Иш-ҳаракатда ўйламасдан, ўта шошма-шошарлик қиладиган, ҳовлиқаверадиган. *Мирсаид аканинг ўғли.. енгил табиат, ҳовлиқма, асабий бир йигит эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Шу ишнинг шундай бўлишига ҳам Бўтанинг ўзи айбли, ўлгудек ҳовлиқма.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Иш-фаолиятда, муомалада ўзини қўлга ололмайдиган, ўзича пала-партиш иш тутадиган. *Биласизлар, жамоатчи бўлиб сайланса, боши осмонга етиб, ҳеч кимни писанд қилмайдиган ҳовлиқмалар бор.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бу кун унинг* [*Ёрматнинг*] *бошида янги, лекин беўхшов дўппи. Амалга минган ҳовлиқма одамдек бурнини кўтарган, юзи маънисиз жиддий ва мағрур.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОВЛИҚМАЛИК 1 Ҳовлиқиб иш тутиш. *Бу ишда ҳовлиқмалик кетмайди.* ▬ *Ҳовлиқмалик сендан ўтиб, менга келгани йўқ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Ҳовлиқма эканлик. *Нури бир оз ўйлади, онасининг ҳовлиқмалигидан ва бу сирни эркакка ҳам, аёлга ҳам ёйишга тайёрлигидан чўчиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўронбек унинг ҳовлиқмалигини билар эди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲОВЛИҚМАЧИ *с.т. айн.* **ҳовлиқма**. -*Ишдан, қийинчиликдан қочмайман, деб қасамёд қилганман,* — *Тожиқўзи шу гапларни айтди-ю, унинг эсига бир нарса тушди. Кеча тоғам ҳовлиқмачи билан гап талашганда, шу фикрларини унга айтмабди-да.* Газетадан.

ҲОВЛИҚМОҚ 1 Шошиб-пишиб, шошма-шошарлик, шошқалоқлик билан ҳаракат қилмоқ, иш тутмоқ. *Ҳовлиқиб гапирмоқ. Ҳовлиқиб ташқарига чиқиб кетди. Ҳовлиқмай секин келавер.* ▬ [*Элмурод*] *Жилғадан жилғага париллаб учган какликларга ўқ узар, каклик гандираклиб тушган ерга қоқила-қоқила, ҳовлиқиб югурар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Барзанги зинғиллаб арава ёнига борди-ю, боягидан бешбаттар ҳовлиқиб қайтиб келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Киши ёшликда кўп ҳовлиқади, хато қилганини билмай қолади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Безовта, ҳаяжонли ҳолатга тушмоқ, шундай ҳолатда бўлмоқ. *У вазмин, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тутиб туради, унча-мунчага ҳовлиқиб кетмайди.* Мирмуҳсин, Сурат. -*Нима қилди опамга, аяжон, бундоқ тушунтириб айтсангиз-чи, ахир!* — *деди ҳовлиқиб.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳовлиққанимдан ҳаллослаб, ўпкам тиқилиб қолган экан, бувим жон ҳолатда дивандан туриб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ҲОВОНЧА [*а.* حاون — ўғир(ча), кели(ча)] Уриб янчиш, туйиш учун ишлатиладиган, ёғоч ёки металлдан ясалган махсус идиш; келича, ўғирча. *Ҳовонча дастаси. Ҳовончада мурч янчмоқ.* ▬ *..бангидевона, бўригул, кам-*

пирчопон сингари доривор гиёҳларни топиб келар, қуритар, катта-кичик ҳовончаларда янчиб, туяр.. эди. К. Яшин, Ҳамза.

ҲОВР *айн.* **ҳовур**. *..сурув из қувиб келяпти. Ундан оппоқ тумандай ҳовр кўтариларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲОВРИҚМОҚ *с.т.* **ҳовлиқмоқ.** *Дилора кулиб юборди, бўласининг ҳовриқиб, шошилиб берган саволларига эмас, йўқ, у ўзини танимаганга солятпи, деб кулди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲОВУЗ [*а.* حوض – сув тўпланган жой, чуқурлик; бассейн; сув идиши] **1** Сув сақлаш учун хизмат қиладиган, махсус қазилган чуқурлик. *Чуқур ҳовуз. Саёз ҳовуз. Ҳовуз ковламоқ. Ҳовуз суви.* ▬ *Мажнунтолнинг қуриб тушган шохлари ҳовуз бўйида ивирсиб ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Агарда сардоба ичини яна ҳам чуқурлаштириб ҳовуз қилинса, бу ерда доимо сув бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Боғнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат; ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз, сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *махс.* Уй шипига ишланадиган чуқур нақш-безак.

Ҳовуздан ҳўплам Жуда оз, арзимаган даражада. *Мухторнинг сандиғидаги олтинлар олдида Бекнинг червонлари ҳовуздан ҳўплам, холос.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲОВУЗЧА 1 Ҳовуз 1 с. кичр. *У* [*сув*] *қайнама бетон ҳовузчалар орқали еросги қувурларига қуйилиб, дала ёқалаб югура кетди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

2 *тех.* Деталнинг ўйма жойи, чуқурлик, чуқурча.

ҲОВУЛЛАМОҚ 1 *кам қўлл. айн.* **вовилламоқ**. *Ғазабланган кучукларнинг ҳовуллаши, томошачиларнинг қийқириши кўкни қоплайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *с.т.* Ғоят аччиқланмоқ, ўта даражада ғазабланмоқ.

ҲОВУР 1 Иссиқликдан кўтарилган кучсиз, енгил буғ. *Кунлар ярақлаб кетган, шудгор бетидан жимир-жимир ҳовур кўтарилади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Дастурхон устидаги косалардан иссиқ ва ёғлиқ шўрваларнинг ҳовури чиқиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Иссиқлик таъсири; ҳарорат, тафт. *Қизилқум ва Қорақум барханлари қуёш қаҳрғазаб билан сочган бутун ҳовурини инсонга пуркаб, бағрига ҳеч кимни йўлатмаган.* С. Кароматов, Аму-Бухоро. *Қуёш тиккайган сайин ҳаво кучлироқ қизийди. Соч толасини елпирга шамол йўқ. Ердан иссиқ ҳовур уради.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Асфальт йўллар, шифер ва тунука томлардан қайноқ ҳовур кўтарилади.* С. Нуров, Нарвон.

3 *кўчма* Кишининг қизишган ҳолати. *Асло менинг ҳовурим босилмайди, Бетингдан тишлаб олиб қонатмасам.* «Оқ олма, қизил олма».

Ҳов(у)рини босмоқ 1) ўзига келмоқ; тинчланмоқ. *Бир пиёла чой бер, болам, ҳовуримни босиб олай, кейин айтаман.* «Муштум». *Тўрабек баъзан қўлига хипчин олиб, болаларга дўқ-пўписа қилар, шу билан ҳоврини босар эди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота; 2) қизишган ҳолатдан қайтармоқ; тинчлантирмоқ. *Расулжон қизишиб бораётган чолнинг ҳоврини босишга уринди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Ҳоврини олмоқ** Нохуш, лоҳас ҳолатдан чиқармоқ. *Иш овутган бўлса, ёру дўстлари кўнглини кўтарди, ҳоврини олди.* Шуҳрат, Умр поғоналари. **Ҳовурига ош пишади** (*ёки* **ош дамласа бўлади**) Ўзини жуда юқори тутиб, ҳаддидан ошганликни билдиради. *..ҳовурига иккита ош пишадиган бошлиқ бурнига қўнган пашшага дағдаға қилиб, мушти билан қўриб ҳайдади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *..чек берувчи Файзи Раҳимов ҳаддан чунон ошганки, ҳовурига ош дамласа бўлади.* «Муштум». **Ҳовур(и)дан тушмоқ** 1) қизишиш, жаҳлдан қайтмоқ. *Султонов чўнтагини титкилаб, калитини топди шекилли, сал ҳовуридан тушди.* М. Мансуров, Ёмби. *«Универсал».. бир текисда ишлаётганини кўриб, Умарали ҳовурдан тушди.* И. Раҳим, Ихлос; 2) манманлик, ўзини юқори тутиш ҳолати йўқолмоқ; попуги пасаймоқ. *Холмат йиғилишдан кейин анча ҳовуридан тушди, пасайиб қолди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Йигит-ялангнинг арзини эшитдим.. Ёдгорхўжа ўшқириб келиб эди, қаматиб қўйдим. Жиндек ҳовуридан тушмаса бўлмайди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ҲОВУРЛИ Ҳовури кўтарилиб, буғланиб турган. *Ялтираб кўринади қуёш шуълалари-*

да Сирдарёнинг қўрғошиндай ҳовурли сувлари. Миртемир.

ҲОВУЧ 1 Бир қўл бармоқларини букиб, шунингдек, икки қўлнинг кафт ва бармоқларини ёнма-ён бирлаштириб, бармоқларни букиб, чуқурча қилинган ҳолати. *«Ҳи-ҳи», яна радио карнайи остида ҳовучини қулоғига қўйиб тинглайди.* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи. *Хўжайин соқолини бир нафас ҳовучига олиб туриб, киноялии жилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Далавой катта-катта қўлларини ҳовуч қилганча, Бекка чўзди.* «Ёшлик». *Муздай сувдан ҳовучини тўлдириб-тўлдириб ичди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Булоқ лабига ўтириб, ҳовучини очганда, кафтида ғижимланиб ётган ҳўл рўмолга кўзи тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ҳовучга сиғарли миқдорни билдиради. *Икки ҳовуч сув.* ▬ *Тушга яқин Аваз бозордан патир, яхна эт, кўкат, бир ҳовучдан ширинлик олиб келиб, дастурхон тузади.* С. Сиёев, Аваз. *У икки-уч ҳовуч тутни оғзига тиқди-ю, яна бир ҳовуч териб, жувонга ўгирилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бир ҳовуч Миқдори, ҳажми жуда оз бўлган. *Бир ҳовуч ердаги полиз ҳам лаънати бўрондан соғ қолмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Чўнтагингизда бир ҳовуч сўзингиз бор, шу сўзларни шу қадар кўп ишлатасиз..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўйлаб қаранг: бир томонда бир ҳовуч бойлар ҳамма нарсага эга; ҳисобсиз, китобсиз фуқаро-чи?* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОВУЧЛАБ Ҳовуч билан, ҳовучга олиб. *Ҳовучлаб сув ичмоқ. Ҳовучлаб ўлчамоқ.* ▬ *Зиёдахон.. қопнинг оғзини аста очиб, челакка ҳовучлаб ун солди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сув топиш керак. Ҳовучлаб бўлса ҳам суғорамиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Жон(ни) [*ёки* **юрак(ни)**] **ҳовучлаб** Қўрқувга тушиб, ваҳима босиб. *Одамлар жон қафаслари бўлган уйларидан, аждарнинг оғзидан қочган каби, жон ҳовучлаб югурадилар.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бу жойлардан кундуз куни юрган киши жонини ҳовучлаб ўтарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бир оз вақт.. ҳозир автоматчи ўққа тутиб қолади, деб юрагини ҳовучлаб ётди.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

ҲОДИС [*а.* حادث — воқеа, ҳодиса, можаро; бахтсиз воқеа; ҳол, ҳолат]: **олам ҳодис** *эск.* Башарти, мабодо; эҳтимол; тасодифан. [*Ҳомид Содиққа*:] *Олам ҳодис қўлга тушиб қолсанг, сўроқ кезида айбни фақат ўз бўйнингга олиб, орага мени қотиштирмайсан!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲОДИСА [*а.* حادثه — воқеа; можаро; бахтсиз воқеа; ҳолат] **1** Табиатда, жамият ҳаётида юз берадиган ўзгариш. *Мудҳиш ҳодиса. Қувончли ҳодиса. Бахтсиз ҳодиса. Кутилмаган ҳодиса.* ▬ *Ҳодиса рўй берган жойга зудлик билан етиб борган оператив гуруҳ айбдорларни топмади.* Газетадан. *«Бобурнома»ни варақлар экансиз.. табиий ҳодисалар тасвирига дуч келасиз.* «Фан ва турмуш». *Ёши йигирма иккига қадам қўйганда, Берунийни ҳам ҳодисалар сели юмалатиб, ўзи билан бирга жанубга олиб кетди.* М. Осим, Жайҳун устида булутлар. *Булар энди бир ҳовлида туриш эмас, бир уйда ётиб қолишни ҳам бировнинг эътиборини жалб қиладиган ҳодиса деб билишмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлар.

2 Бирор нарсанинг воқеланиши, воқеланиш факти. *Қишдан кейин баҳорнинг келиши объектив ҳодиса.* ▬ *Сўз бўғинларидан бирининг ёки гапдаги сўзлардан бирининг ажратиб, кучли талаффуз этилиши ҳодисаси урғу дейилади.* «Ўзбек тили» дарслиги. *Бир жисмдан чиқиб тарқалган товушнинг бошқа жисмга урилиб, тебраниш ҳосил қилиши резонанс ҳодисаси деб аталади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҲОЖАТ [*а.* حاجت — эҳтиёж, талаб, зарурат; истак-хоҳиш; зарур, кeракли буюм] **1** Кераклик, зарурлик, заруият. *Бу гапнинг нима ҳожати бор.* ▬ *Иш тамом, вассалом. Бундай кўз ёши томизиб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ.* С. Айний, Қуллар. *Кўрмана ҳожат бўлса, унга ҳам тайёрмиз!* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бирор нарсага бўлган талаб; эҳтиёж. *Ҳасан сўфи билан Алим бува.. ўз дардларига тушунгучи дардманд, ҳожатларини англовчи ҳожатманд излардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Унинг олдига кимки бирор ҳожат билан келса, ноумид қайтмаган.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Шудир насиҳатим: кечикмай еткар, Рустамдай қўзимнинг ҳожатин биткар.* «Муродхон».

Ҳожати раво бўлмоқ *кам қўлл. айн.* **ҳожати чиқмоқ** *ёки* **ҳожатини чиқармоқ**. *Отамнинг ўлимида ҳам у «ҳожатимизни раво қилиб».. бизни юз танга — 15 сўм қарздор қилди.* С. Айний, Эсдаликлар. **Ҳожати чиқмоқ**

ёки **ҳожатини чиқармоқ** Эҳтиёжи, талаби битмоқ, амалга ошмоқ (эҳтиёжини битирмоқ, қондирмоқ). *Жамоа идораси айвонида юрган бир-икки киши, ҳожатлари тезда чиқмагани учун бўлса керак, асабийланар ва болохонадан кўчага зўр бериб нос тупурардилар.* Ҳ. Шамс, Душман. *Умирзоқ ота бир неча пуд буғдойни оқлаб, беш-олти кишининг ҳожатини чиқарди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *..қурилиш материаллари комбинати цемент ва бетонлар етказиб, бинокорлар ҳожатини чиқармоқда.* Газетадан.

3 *кўчма* Табиий эҳтиёждан бўшалиш, ёзилиш. *Хосият биби, тўй қувончи қувват бўлдими, ўз ҳожатига ўзи юриб чиқа бошлади.* С. Анорбоев, Меҳр. *Ҳали бу ҳолва. Занг урганда, ўрнингдан туриб, занг урганда, ҳожатга борасан..* С. Аҳмад, Ҳукм.

ҲОЖАТБАРОР [*а.* + *ф.* حاجتبرار – кимсанинг ҳожатини чиқарувчи, раво қилувчи; *маж.* оллоҳ, худо] Кишининг ҳожатини чиқарувчи. *Қишлоқнинг тўю маъракаси усиз ўтмас, ёр-дўстларнинг хизматига тайёр, жафокаш, ҳожатбарор одам эди.* Ҳ. Назир, Васият. *Илоё, назр қилган қўйингиз пулсиротда ҳожатбарорингиз бўлсин!* А. Муқимов, Қопқон.

ҲОЖАТБАРОРЛИК Ҳожат чиқариш (иши). *Шу ҳожатбарорлик фазилати билан у, ёш бўлса-да, эл оғзига тушган эди.* Н. Сафаров, Наврўз.

ҲОЖАТМАНД [*а.* + *ф.* حاجتمند – эҳтиёжли, муҳтож] Эҳтиёжи, талаби бор (одам). *Бугун жума ҳамма ҳунарманд, ҳожатмандларни тирикчилик ғами бозорга қувган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [*Абу Сирож*] *Ҳар куни эртадан кечгача кўчама-кўча изғиб, ҳожатмандларнинг хизматини қилиб, чойчақа топади.* Р. Раҳмонов, Ўлик балиқ.

ҲОЖАТРАВО [*а.* + *ф.* حاجتروا – ҳожатини чиқарувчи] *айн.* **ҳожатбарор**. *Зориққанга, толиққанга ҳожатраво ўзингсан.* «Кўшиқлар».

ҲОЖАТХОНА [ҳожат + хона] Табиий эҳтиёждан бўшалиш, ёзилиш учун қилинган махсус жой. *Саройнинг ғуслхонаси супурилиб, у ерга сув идишлари қўйилди. Ҳатто ҳожатхоналарда кесак ушатиб қўйиш ҳам эсдан чиқарилмади.* С. Айний, Қуллар.

ҲОЖИ [*а.* حاجی < حاجّ – ҳаж қилувчи] **1** Каъбани зиёрат этган, ҳаж қилган одам. *Маъсума бека шогирдлар юзидаги мамнуниятни кўриб, гап ташлади: -Маккадан ҳожи келганда ҳам бунчалик қилинмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..Фуод афанди бандалик қилгандан кейин, ҳаждан келаётган бир ўзбек ҳожига тегдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ҳаж қилиб, Каъбани зиёрат қилиб келган кишининг фахрий унвони, лақаби. *Ҳожи бува. Ҳожи ака.* ▬ *-Саройда на гап, ҳожи ота? – деб сўради Аваз пиёлада чой узатиб.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Абдурасулнинг отаси Пиримқул ҳожига қарол бўлган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОЖИБ [*а.* حاجب – хизматкор; дарвозабон, эшик қоровули] **1** *эск.* Дарвозабон, эшик олдидаги қоровул.

2 *тар.* Хон эшигидаги ходим, маҳрам.

ҲОЖИДЎППИ Ҳаждан қайтганлар совға тариқасида олиб келган, асосан Туркияда одат бўлган, қизил рангли, ичи чуқур, попукли бош кийими; фас. *Қаршидаги деворда икки кишининг сурати кўзга ташланади: ..иккисининг ҳам бошида «ҳожидўппи», бири серсоқол.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОЖИХОНА [ҳожи + хона] Ҳаж йўлидаги шаҳарларда ҳожилар қўниб дам оладиган махсус жой, меҳмонхона. *-Отам ҳар кун Истамбулдаги ҳожихоналарга қатнаб, таниш ахтарар, кетишга ёрдам излар эди, – деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Хайриятки, ҳожихонанинг эгаси Фуод афанди бизга меҳрибончилик қилиб, овқатимизга қарашиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲОЗИР [*а.* حاضر – бор, мавжуд (бўлган); қатнашаётган, иштирок этаётган; ҳозирги, жорий; нақд, шай] **1** Бирор иш, вазифа учун тайёр; шай. *Машиналар теримга ҳозир. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ – хирмонда ҳозир.* Мақол. ▬ *-Жавоб беришга ҳозирмиз, – деди Ойқиз раиснинг сўзларини бўлиб.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Нимаики маслаҳат ёки ёрдам керак бўлса.. биз хизматингизга ҳозирмиз.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *-На десангиз – шу, ёшулли, – деди Аваз, – қўлимдан келган барча ишга ҳозирман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Ҳозир бўлмоқ Бирон жойда пайдо бўлмоқ, бирон жойга келмоқ. *Ҳа, мен керак вақтда инс-жинсдек ҳозир бўламан.* К. Яшин, Ҳамза. *Кўп ўтмай кенг кўчада ҳозир бўлдик.*

О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. **Ҳозир қилмоқ** *айн.* **ҳозирламоқ**. *Керакли анжомларни ҳозир қилмоқ.*

2 Сўзланиб турган пайтни ҳам ўз ичига олган вақт; шу он, шу пайт, шу давр. *Ҳозир чиқиб кетди. Ҳозир келиб қолади. Отам ҳозир нафақадалар. Ҳозир шароит тамомила бошқача. Ҳозир айни йиғим-терим мавсуми.* ▬ *Ҳозир туриб кетган бўлса керак, столда коньяк шишаси, апельсин тўла ваза турар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Зойиржон ҳозир бориб муштлашмоқчи бўлгандай, ранги ўчиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бекмирзаевга ҳозир чойдан кўра ҳам муздеккина сув яхши эди..* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Ҳозир кеч куз, ҳадемай қиш-қировли кунлар бошланади.* Газетадан. *Ҳозир эски замон эмас, бунақа нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўқ..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Чақириқ, мурожат ва ш. к. га. жавоб сифатида ишнинг тезда, шу онда амалга оширилишини билдиради. *-Ҳой, боққа сув тошиб кетди, тез кириб бўғиб қўйинг! -Ҳозир, ҳозир.. — Йўлчи.. кетмон олиб югурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ўғлингизни чиқариб юборинг! -Ҳозир.* «Гулдаста». *Кўрпача ёзиб, уни ўтқазгач, «мен ҳозир», деб эшикка чиқиб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Кейин «ҳозир, бойваччам», деди-да, кетаётганларга қуллуқ қилиб, изига қайтди.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲОЗИРГАЧА *рвш.* Шу пайтгача, шу дамгача. *Бу буйруқ ҳозиргача амалга ошмаган эди ва бундан кейин ҳам амалга ошмайдиган бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲОЗИРГИ Сўзланиб турган пайтни ҳам ўз ичига олган вақтга (ҳозирга) оид; шу ондаги, шу пайтдаги, шу даврдаги; ҳозирда мавжуд бўлган; амалдаги. *Унинг ҳозирги гаплари кўпчиликка маъқул бўлди. Ҳозирги ёшлар. Илм-фаннинг ҳозирги тараққиёти. Унинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти. Ҳозирги ўзбек адабиёти. Ҳозирги алифбо. Мактабимизнинг ҳозирги директори.* ▬ *Набигулнинг ҳозирги ҳолатини кўрганда, ҳар кимнинг ҳам раҳми келар эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Амалдаги дарсликларимизнинг кўпчилиги ҳозирги талабларга тўла жавоб бера олмайди.* Газетадан.

ҲОЗИРГИДАЙ Сўзловчининг кўз ўнгида, ҳозир бўлаётган ёки кўриниб турган каби. *У ишлар ҳозиргидай эсимда.*

ҲОЗИРДАН *рвш.* Шу пайтнинг ўзидан; олдиндан. *Олиб чиқишимиз душанба кечасининг қайси пайтига тўғри келишини ҳам ҳозирдан айтиб бўлмайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲОЗИРЖАВОБ [*а.* حاضرجواب — билағон; гап, суҳбатда ўзини йўқотмайдиган] **1** Савол, луқма ва ш.к. гап-сўзларга ўринли тарзда ва тезда жавоб қайтариш қобилиятига эга. *Унинг.. серғайрат, ҳозиржавоб, фикри ўткир эканлигини ўқитувчилар билишар эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳожатхонага кирганлар калга ҳазил қилиб, уни уялтирмоқчи бўлар, лекин сурбет ва ҳозиржавоб кал, бўш келмай, ҳар бир гапга ўн гап билан жавоб қиларди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *У ниҳоятда серҳаракат, ҳозиржавоб — гап билан енгиб бўлмайдиган кимса эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ҳаёт, давр талабига ўз иш-амали билан тезда жавоб берувчи. *Устознинг публицистик асарлари билан танишар экансиз, у бениҳоя ҳозиржавоб, фаол ижод қилганлигига амин бўласиз.* Газетадан. *Улкан адабиётимизнинг дангалчи.. ҳозиржавоб қисми бўлган сатира-юморнинг вазифаси Тияншан тоғидан ҳам баланд.* «Муштум».

ҲОЗИРЖАВОБЛИК Ҳозиржавоб бўлиш, ҳозиржавоб шахсга хос хислат, муомала, хатти-ҳаракат (**ҳозиржавоб** — ҳар икки маъносида). *Дилшоднинг ҳозиржавоблиги меҳмонни ҳайрон қолдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Меъмор.. гўзал қизи Бадиани кичиклигидан эркаларди, у ўзининг сезгир ва ҳозиржавоблиги билан отасига тортган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ташаббускорларга ҳозиржавоблик, ўзаро ёрдам.. — мана бугунги кунимизнинг қиёфаси.* Газетадан.

ҲОЗИРЛАМОҚ 1 Ишлатиш, фойдаланиш ва ш.к. учун тайёр ҳолга келтирмоқ; тайёрламоқ. *Сафарга отларни ҳозирламоқ. Машиналарни теримга ҳозирламоқ.* ▬ *Келин ишком тагига ўрнатилган чорпоя сўрига жой ҳозирлашга тутинди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Отабек тушга яқин уйғонгач, Ҳасанали чой ҳозирлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Буюрсангиз, йўлга керакли нарсаларни ҳозирласалар.* «Олтин бешик».

ҲОЗИРЛАНМОҚ Ҳозирламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Катта кўчадаги икки туп тол кесилиб, ўтин ҳозирланди.* И. Раҳим, Ихлос. *Учала меҳмон ва табибга том шийпонида*

жой ҳозирланди. С. Абдулла, Қувғунда. *Анвар кечқурун ўрдадан қайтишга ҳозирланар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲОЗИРЛИК 1 Ҳозир, тайёр эканлик. *Машиналарнинг ишга ҳозирлигини текшириш.*

2 Тайёрланиш ишлари; тайёрланиш, тайёргарлик. *Азизбек фотиҳа берди. Халқ уруш ҳозирлигига киришди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баҳорга ҳозирлик ишларининг катта-кичиги, майда-чуйдаси бўлмайди.* Газетадан. *Йўл ҳозирликлари битиб, Ўзбек ойимнинг қутидор ва Офтоб ойим ҳамда Ойша кампирга атаб тиктирган саруполари ҳам битди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳозирлик кўрмоқ Ҳозирлик, тайёргарлик ишларини бажармоқ, қилмоқ; тайёргарлик кўрмоқ. *Имтиҳонларга ҳозирлик кўраётган Содиқжон эрталаб поччасини кузатиб қўйди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Душман ўз ҳолатини англаб, фронтнинг бу участкасида ўз мавқеини тиклашга баҳор бўйи ҳозирлик кўрди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 (*эгалик ва ў.-п. к. шаклида ёки «билан» кўмакчиси ёрдамида* — **ҳозирлигида, ҳозирлиги билан**) *кам қўлл.* «Иштирок» маъносини билдиради. *Олти гувоҳнинг ҳозирлиги билан мажлис очилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲОЗИРЧА 1 Ҳозирга қадар. *Мен сизларга барча гапларни айтдим. Ҳозирча шу. Ҳозирча ҳеч нарса дегани йўқ.* ▬ *Ҳозирча гуруҳимизда саноқли одам бор.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ҳозирдан маълум вақтга қадар, маълум вақт ўтгунча. *Бу хабар ҳозирча сир тутилмоғи керак эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Раис унамай турибди-да, ҳозирча машинани ҳайдаб тур, ука, деб қўймаяпти.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..ҳозирча шаҳарнинг четроғида яшаши лозимлигини айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОЗИРЧАЛИК *айн.* **ҳозирча 2.** *Ҳозирчалик Ойшахон билан яшаб турибман.* «Муштум».

ҲОЗИҚ [*а.* حاذق — уста, маҳоратли, моҳир, билимдон] *эск. кт.* Энг тажрибали, маҳоратли, моҳир, ўткир. *Ҳозиқ ҳаким бошини ожизона чайқади, холос.* Ойбек, Навоий.

Табиби (*ёки* **ҳакими**) **ҳозиқ** Энг тажрибали, моҳир, ўткир табиб. *Подшо, девон маъмури бўлган марҳум Абдуллонинг ўғли Ҳусайн табиби ҳозиқ бўлибди, деган хабарни эшитиб, уни дарҳол ҳузурига чорлатди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Ҳоқон, яралик кўнгилларнинг шифоси учун сиз ҳакими ҳозиқ бўлишингиз керак.* Ойбек, Навоий.

ҲОЙ *унд.с.* Чақириш ёки мурожаатни билдиради. *Ҳой, аравакаш бола, отингни торт.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳой чол, манави ер ўлгурга.. озгина сабзи сепиб қўйсангиз-чи?!* «Гулдаста». *Ҳой, боққа сув тошиб кетди, тез кириб бўғиб қўйинг.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳой, кўпчиликдан юз ўгирманг. Бунинг хосияти бўлмайди, — дейишди одамлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОЙНАҲОЙ *крш. с.* Сўзловчининг тахминий ўй-мулоҳазасини билдиради; ҳар ҳолда, -са керак. *Ҳойнаҳой, ўша Зеби ишлайдиган катта яслига кетган, деб ўйладим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Толиб ака, ҳойнаҳой, Аҳмаднинг устидан шикоят қилиб кирган.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *«Бу суҳбатда гапирадиганлар, ҳойнаҳой, мени тилга олишади», деган ташвиш билан бошини кўтарди Аъзам.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ҲОЙҲОЙЛАМОҚ 1 «Ҳой», «ҳой-ҳой» деб чақирмоқ.

2 Шундай товуш чиқариб ҳайдамоқ, йўлга бурмоқ, тартибга чақирмоқ; тергамоқ; огоҳлантирмоқ. *Чол тутга чиққан болаларга ҳойҳойлаб турарди. Ҳойҳойлаб чуғурчуқларни қочирмоқ.*

ҲОЙ-ҲУЙ: ҳой-ҳуй қилмоқ «Эй», «ҳей», «ҳой» каби сўзларни ишлатиб чақирмоқ, ундамоқ.

ҲОЙҲУЙЛАМОҚ «Эй», «ҳей», «ҳой» сўзлари билан чақирмоқ, ундамоқ; ҳой-ҳуй қилмоқ. *Отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳойҳуйлаши манзилнинг яқинлигини билдирар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲОКАЗО [*а.* هكذا — шунақа, худди шундай; шундай қилиб, шу тарзда] (*одатда «ва» боғловчиси билан*) Шу сингари, шунга ўхшаган(лар), бошқалар. *Аёл урушга кетган эри, ўзининг иши, турмуши ва ҳоказолар ҳақида гапирди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тўлаганнинг эсига алиф, вентилятор, Абдуманнофнинг эсига мурч, цемент можаролари тушди ва ҳоказо.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

ҲОКИМ [*а.* حاكم — ҳукмдор; бошқарувчи; бошлиқ; судья, ҳакам] **1** *тар.* Ўрта Осиё хонликларида белгили бир шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар устидан хону

бек амрини ўтказиш учун белгилаб қўйилган амалдор. *Ҳолвани ҳоким ер, калтакни — етим.* Мақол. ▬ *Бу ҳукмимизни ижро этгувчи, Тошкент ҳокими Нормуҳаммад қушбегига марҳамати шоҳонамиз шулдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизнинг майда-чуйда ҳокимларимиз бир-бири билан иноқ бўлмагани, бирлаша олмагани сабабли катта кучга эга бўлган истилочининг ҳамласига дош беролмадик.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *тар.* Собиқ Туркистон ўлкасидаги айрим шаҳар ёки музофотларда чор ҳукуматининг сиёсатини ўтказиш учун белгилаб қўйилган юқори мансабли амалдор. *Маҳкама биносига кетган ўт обдан авжига чиққан бир пайтда шаҳар ҳокими Мединский ва подполковник Китаевлар икки взвод жазо отряди билан майдонга кириб келди.* К. Яшин, Ҳамза. *Аъёнлар супада, одамлар ерда ўтириб, ғала-ғовур тинчигандан кейин, ҳоким одатдагича тилмоч орқали халқни огоҳлантирди.* И. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ҳокими мутлақ Маълум бир ҳудудда чексиз ҳокимликка эга бўлган мансабдор (подшоҳ, амир ва ш.к).

3 Умуман, ҳукмини, буйруғини ўтказувчи (шахс, синф ва ш.к.) *Ҳоким синф.* ▬ *Улардан [амалдорлардан] ҳеч бир кишига ёмонлик келмайди, улар ёлғиз тартибни.. талаб қилишади. Чунки улар — ҳоким, биз — фуқаро.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ўзбекистон Республикасида: вилоят, шаҳар ва туманларнинг биринчи раҳбарлик лавозимидаги шахс; ҳокимликнинг биринчи раҳбари. *Бу муҳим масаланинг муҳокамаси учун кенгашга вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари таклиф этилди.* Газетадан.

5 *кўчма* Ўз ихтиёрига олган, эгаллаган нарса ҳақида; «ҳукмрон». *Мункиллаган кампирлар жим шам ёқади мозорларда, Саратоннинг иси ҳоким мудраб ётган бозорларда.* Х. Даврон, Тунги боғлар. *Туни бўйи кўк юзининг ҳокими бўлган ой ётоғига отланаётган.. шу палладаги салқин, мусаффо шабада.. роҳат бахш этарди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Ўз-ўзимни тутдим саволга, Ҳоким эди қалбда бир туйғу.* Н. Нарзуллаев.

Ҳоким бўлак *тлш.* Синтактик алоқада тобе бўлган қисмни бошқарувчи, унга нисбатан ҳоким вазиятдаги бўлак. Мас., *Бизни суҳбатга таклиф этди* гапида *таклиф этди* — ҳоким бўлак.

6 Ҳоким (эркаклар исми).

ҲОКИМИЯТ [*а.* حاكميّت — давлатчилик; бошқарув; ҳокимлик] **1** Давлатни бошқариш ҳуқуқи; сиёсий ҳукмронлик; давлат органларининг ҳуқуқ ва ваколати. *Ҳокимиятни қўлга олмоқ. Ижро этувчи ҳокимият. Қонун чиқарувчи ҳокимият.* ▬ *Бу орада февраль инқилоби бўлиб, Николай подшо тахтдан ағдарилди. Ҳокимият мувaққат ҳукумат қўлига ўтди.* К. Яшин, Ҳамза. *Райимбек додхоҳ Азизбек ҳокимиятининг тираги эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Давлат бошқармаси ва унинг органлари; ҳукумат. *Қўш ҳокимият узоқ муддат давом этди.*

3 Бошқариш, буйруқ бериш ва ш.к. ҳуқуқи, имкони. *Ҳокимият жуда ширин нарса экан.* «Шарқ юлдузи». *Одамнинг пуч, сараси ҳокимият қўлига текканда дарров ажрайди-қолади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҲОКИМЛИК 1 Ҳоким иши, вазифаси; шу вазифага мансуб, тегишли. *Ҳокимлик либоси.* ▬ *Юсуфбек ҳожи: -Менинг биринчи холис тилагим, албатта, мазлум халқ тилидан бўладир; бундан сўнг Тошкент ҳокимлигига ҳар қандай бўлмағур одам қўйилмасин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Темурбек, мулозимлари қуршовида бориб, ҳокимлик тахтига ўтирди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Ҳоким, ҳукмрон ҳолати; ҳукмронлик (тўғри ва кўчма маънода). *Замон ишчи, деҳқон замони бўлиб, чиновникларнинг ҳокимлиги, ерлик халқнинг маҳкумлиги битган.* Газетадан. *Рашкли алам ўйи ҳокимликни ўз қўлига олди.* М. Каримов, Сени дейман, жоним.

3 Ўзбекистон Республикасида: вилоят, шаҳар, туман бошқарув органлари ва улар ўрнашган жой. *Шаҳар ҳокимлигидан вакиллар келди.*

Ҳокимлик қилмоқ 1) ҳоким лавозимида ишламоқ, ҳоким вазифасини бажармоқ. *Хуллас, ҳар қайсиси ўзи ҳокимлик қилаётган ўлкада фан ва санъат, ободончилик ишларига эътибор берардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) ҳоким, ҳукмрон ҳолатида бўлмоқ (*қ.* **ҳокимлик 2**). *Уйдан чиққанидан бери танига ҳокимлик қилиб келаётган карахтлик шу оннинг ўзидаёқ ғойиб бўлди-қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 *тлш.* Ўзаро алоқа (боғланиш)да бирор қисмнинг ҳоким вазияти; *зид.* **тобелик**. Мас., *кенг кўча, бешинчи хона* бирикмаларидаги *кўча, хона* сўзларининг вазияти.

ҲОКИМОНА [*а.* + *ф.* حاكمانه – ҳокимлардай, ҳоким каби; буйруқ тарзида] *кам қўлл.* **1** *рвш.* Бошқалардан устун турадиган, ўз ҳукмини ўтказадиган кишиларга хос, ҳокимларга ўхшаб.

2 Буйруқ тарзидаги. *Бир оз сукунатдан сўнг Ботиралининг ҳокимона командаси янгради.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ҲОЛ [*а.* حال – ҳолат, равиш] **1** Ҳаётдаги муайян бир ҳолат, вазият; аҳвол. *Умидли, изланувчан ёшларимизнинг кўплиги қувончли ҳолдир.* Газетадан. *Шунақа, бу чўлни осонликча енгмаганмиз, қурбонлар бериб, жон фидо қилиб, шу ҳолга келтирганмиз.* «Ўзбекистон қўриқлари». *..мактабда ўқиш-ўқитиш ишлари мустаҳкам изга тушиб кетди. Бу ҳол қишлоқда сезилмай қолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дарвозалар ёнида сарбозлар юриб туриши.. душманга қарши тадбир-чоралар кўрилаётганини ҳисобга олмаганда, шаҳар ўлик ҳолда эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Ҳолига вой Кишининг иши, аҳволи ёмон бўлишини, ачинарли аҳволга тушишини билдиради. *Ўз пирини беобрў қилган, юзига оёқ тираб кетган банданинг ҳолига вой!* «Муштум».

2 Кимса ёки нарса жисмида юзага келган муайян ҳолат. *Автор яна ўз савлатли ҳолига қайтди. Қаддини ғоз тутганича, оёғини кериб, йирик-йирик қадам ташлаб чиқиб кетди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ўзимку, ғўзаларни шу ҳолга етказгунча лабларимни(нг) уч марта пўсти тушди.* С. Нуров, Нарвон.

3 Кишининг жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўзини сезиши; жисмоний ва руҳий ҳолат; кайфият, авзо, кўриниш. *Меъморнинг хаёл суриб, гиёҳвандлардек қотиб қолганини кўрган Ҳорунбек.. устод баъзан шундай ҳолга тушиб қолармикан, бу, эҳтимол, аччиқ аламнинг оқибатидир.. деб ўйларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Тешабой, бир томондан, кооперативчининг ҳолига ачинди, иккинчи томондан, гитлерчиларга хизмат қилаётганидан ғазабланди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

4 (*ў.-п. к. шаклида* – **ҳолда**) Ҳолат билдирувчи (*ғамгин, маъюс* каби) баъзи сўзлар, шунингдек, *-ган* аффиксли феъл билан қўлланиб, бирор ҳаракат-ҳолатнинг шу сўз билдирган ҳолатда юз бериши, бажарилишини билдиради. *Ҳусайннинг дадаси маъюс ҳолда, билинар-билинмас бош чайқаб қўйди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Суюм оға гаранг, дардли, оч ҳолда тепа устига чиққач, яна боягидек, орқа-олдига қаради.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ҳусайн Бойқаро.. қийиқ, тез ўйнайдиган кўзларини шоирга тикиб, ғамгин ҳолда деди..* Ойбек, Навоий. *Имом ерга қараган ҳолда бошини қимирлатиб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

5 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, руҳий ёки жисмоний имконият, куч-қувват маъносини билдиради. *Унинг оҳ дегани ҳоли йўқ.* С. Сиёев, Аваз. *Боланинг йиғлашга ҳам ҳоли қолмаган эди.* Газетадан. *Хосият хола бир ҳўплам чой ичган бўлди-ю, ҳоли келмай, ётиб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

6 *тлш.* Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, унинг бажарилиш сабаби, мақсади, ўрни, пайти ва ш.к белгиларини билдирадиган иккинчи даражали бўлак. Қандай белгини билдиришига кўра ҳолнинг *сабаб ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, тарз ҳоли* каби турлари фарқланади. *Кеча кўрдим (кеча* – пайт ҳоли). *Кўчада учрашдик* (*кўчада* – ўрин ҳоли) ва б.

Акс ҳолда *қ.* **акс**. **Арзи ҳол айламоқ** (*ёки* **қилмоқ**) Ўз аҳволини ва истагини изҳор қилмоқ, шикоят қилмоқ. **Аҳли ҳол** *эск. кт.* Раҳмдил, кимса учун қайғурувчи, жонкуяр одам(лар). **Илми ҳол** *эск. кт.* Илмнинг, илм ишларининг ҳолати, аҳволи. *Мадрасаларда илми ҳол ўгай ўғил ҳолатига тушиб қолди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Таржимаи ҳол** *қ.* **таржима. У ҳолда** Ундай бўлса, шундай бўлган тақдирда. *Хайр, кетмаган ҳам бўлсин. У ҳолда, ўзингиз айтгандек қилиб, тўппатўғри эртага Салим шарбатдорнинг олдига бораман-да, ўғлингни Мирзакарим аканинг тошкентлик куёви ўлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўз ҳолига** Ўз эрки-ихтиёрига. *Шундай қилиб, «бечора» Содиқни ўз ҳолига қўймай, кўчадан анчагина нарига сургаб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Меъморни ўз ҳолига қўйиб бериш керак. У шуни хоҳларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бошини кўтариб, елка-*

ларини ўз ҳолига қўйди, оёқларини ҳам узатди. С. Кароматов, Олтин қум. **Ўз ҳолича** Бировнинг аралашувисиз; ўз билгича, ўзича. *Уйда ўз ҳолича ивирсиб юриб, темир-терсаклар йиғди, асбоблар топди, ишлай бошлади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Ҳол тили** *эск. кт.* Ҳол-аҳволдан сўзловчи, уни билдирувчи хатти-ҳаракат, белги ва ш.к.; шундай «тил». *Бу икки ёш орасида севги алоқаси ҳалигача тилга олинмаган ва ҳар иккалалари ҳам бирбировларига ўз ички кечинмаларини ёлғиз ҳол тили билан изҳор қилмоқда эдилар.* С. Айний, Дохунда. *Нариги уват билан буниси бир-бирига нисбатан фарқини ҳол тили билан сўзлаб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲОЛАНКИ [*а.* + *ф.* حالآنکه – гап шундаки, ҳақиқатда эса, ҳолбуки] *кам қўлл. айн.* **ваҳоланки.** *Сиз ўқиган китоб бир-икки ойда ҳам сув кўрмайтурган иқлимлар учун ёзилган; ҳоланки, бизнинг бу жойларда, шукур, ҳамма вақт оқар сув тайёр.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ҲОЛАТ [*а.* حالت – ҳол, аҳвол; тузилиш] **1** Юзага келган, мавжуд бўлган вазият, аҳвол. *Жанговор ҳолат. Ҳарбий ҳолат. Шаҳар қамал ҳолатда.* ▬ *Ишлаётган одамлар уни* [*Олахўжани*] *бу ҳолатда кўриб, жуда ҳайрон бўлиб, ишдан тўхтаб қолдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳамма сергак тортди, унга қулоғини тутиб жим қолди. Бу ҳолатдан фойдаланган шайх сўзига пардоз бериб, давом этди..* К. Яшин, Ҳамза. *Шерали ҳам бу тўқнашувдан Тўлғоной билан ёлғиз қолгандаги ҳолатга тушди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Жисмоний ёки руҳий жиҳатдан бўлган ифода, кўриниш; қиёфа, авзо. *Асабий ҳолат. Кулгили ҳолат. Аянчли ҳолат.* ▬ *Мен унинг ҳолатидан нимадир ичини куйдираётганини.. билиб турардим.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Унинг.. мажақланиб, таниб бўлмас ҳолатга келган юзини оқ шоҳи билан ёпиб қўйдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Бир ҳолатда Ачинарли, ночор, путурдан кетган аҳволда. *Қандолат биби бир ҳолатда бўлиб чўкиб қолган, ранги заъфарон..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Энди букчайиб қопти. Кийимлари ҳам бир ҳолатда.* С. Аҳмад, Уфқ. **Жон ҳолатда** *қ.* **жон**.

3 *шв.* Куч-қувват, дармон, мадор; қудрат. *Ғознинг бир оёғи синган, бир қаноти майиб бўлган, ўқ тегиб ҳолати кетиб, шу ерга йиқилган.* «Алпомиш». *Энди мендан ҳолат кетди, бек Шакар, Бу чўлларда энди қолдим хору зор.* «Ширин билан Шакар».

ҲОЛ-АҲВОЛ [ҳол + *а.* احوال – «ҳол» с. нинг кўпл.] Одамнинг руҳий ва жисмоний ҳолати; соғ-саломатлик. *Эшон билан қассоб тиз чўкишди-да, қўлларини фотиҳага очишди. Сўнгра Элмуроддан ҳол-аҳвол сўрадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОЛ(И)-БАҚУДРАТ *қ.* **бақадриҳол.** *Ишингни айтавер, ҳол-бақудрат қила берамиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ўшанда Кўпайсинхон онасига эргашиб, далага чиқар.. ишлаётганларга чой қайнатиб берар, ҳолибақудрат пахта терарди.* А. Абдукаримов, Чўл бургути.

ҲОЛБУКИ *зидл. боғл.* Маъноси (мазмуни) бир-бирига қарама-қарши (зид) бўлган қўшма гап таркибидаги гапларни боғлаш учун хизмат қилади; аслида эса, бироқ. *Ўқувчи «биз кўпчиликмиз, ўқитувчи ҳаммамизни баравар кўролмайди», деб ўйлайди. Ҳолбуки, ўқитувчи синфдаги ҳар бир боланинг нима қилаётганини аниқ билиб туради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Гўё биз бир-биримизни кам биладигандай. Ҳолбуки, сиз мени мактабга келган кунимдан биласиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОЛВА [*а.* حلواء – ширинлик; қандолат маҳсулоти] **1** Ун, шакар ва ёғдан, баъзан кунжут, мағиз қўшиб тайёрланган ширинлик, қандолат. *Пашмак ҳолва.* ▬ *Арава-арава ун, гуруч, қоп-қоп бодом, писта, кажаваларда ҳолвалар, қирқ-эллик каттакичик яшикда ҳар хил мевалар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Айланиб, уйда қолган жужуқларига қанд-қурс, ҳолва, пуфак олмоқчи бўлди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

2 *кўчма* Қиёс мазмунли гапларда фикр юритилаётган нарса, иш, воқеа-ҳодисанинг бошқасига (қиёсланаётганига) нисбатан ёмон (ҳеч гап) эмаслиги, ундан дуруст, чидаса бўладиган эканлиги каби маъноларни билдиради. *Ҳали бу-ку ҳолва, қамоқхонадаги – якка камерадаги ёлғизликдан худонинг ўзи асрасин!* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Менинг гуноҳим олдида сизники ҳолва-ку..* «Муштум». *Наманган вилоятига ўтдим. Фарғонадаги машмашалар ҳолва экан.* «Муштум». *Трассадаги шовқин-сурон бунинг олдида ҳолва экан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон

Сувдан ҳолва ясамоқ Бўлмайдиган ишга уринмоқ, бекорга уринмоқ. *Мамлакатдан*

чет эл капиталини ситиб чиқармасдан туриб.. халқни қаттиқ оёққа бостириш — сувдан ҳолва ясайман, дейиш билан баравар. С. Акбарий, Севги билан тирилган юрак. **Ўғилми, ҳолва?** *этн.* Ўғилми-қизми? — янги туғилган бола ҳақида бериладиган савол (қиз унашилганда, куёв томондан қиз томонга юбориладиган совғаларга ҳолва қўшиб юбориш одат бўлгани учун шундай дейилади). *Ҳасанали ҳам илжайиб, ёнчиқ ковлашга тутинди ва: -Ўғилми, ҳолва? — деб сўради хотинидан. -Ўғил!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ҳолва деган билан оғиз чучимайди** Қуруқ гап билан мақсад амалга ошмайди. *Дарҳақиқат, ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да.. Халқ — оми.. бизнинг маърифат ҳақидаги гапларимиз уларнинг қулоғига киришига унча ишонмайман.* К. Яшин, Ҳамза.

ҲОЛВАГАР [*а. + ф.* حلواگر — ҳолва қилувчи, ҳолвапаз] *айн.* **ҳолвачи**.

ҲОЛВАЙТАР [*а. + ф.* حلوائی‌تر — ҳўл (нам), сувли ҳолва] Доғ қилинган ёққа ун солиб, сал қизаргунча қовуриб, устидан шакар эритилган сув қуйиб тайёрланадиган ширин таом. *Бола чинни товоқда ҳолвайтар кўтариб кирди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *..ҳолвайтардан эҳтиёт бўлинг. Ёғу шакарминан пишганданми, билмадим, иссиқ нарса бўлади.* Газетадан.

ҲОЛВАПАЗ [*а. + ф.* حلواپز — ҳолва пиширувчи, тайёрловчи] *айн.* **ҳолвачи**. *Оғзим чучисин десанг, ҳолвапазнинг ёнига бор.* Мақол.

ҲОЛВАФУРУШ [*а. + ф.* حلوافروش — ҳолва сотувчи] Ҳолва сотувчи; ҳолвачи. *Бир томонда ҳолвафурушлар бақиришиб, кунжут ҳолва, мағиз ҳолва, пашмак, «от нон» сотмоқдалар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҲОЛВАЧИ 1 Ҳолва тайёрловчи уста; ҳолвагар, ҳолвапаз. *Сайил кунларида шаҳардан ҳолвачию шакарпазлар.. аравада бу жойга келишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ҳолва сотувчи; ҳолвафуруш.

Ҳолвачининг тешасидай *қ.* **теша.**

ҲОЛ-ЖОН: **ҳол(и)-жонига қўймаслик** Унамаганига қарамаслик; қўярда-қўймаслик. *Лекин Ўлжаев ёпишган еридан узиб ўрганган, елим қошиқ одам экан, келавериб, ҳол-жонимизга қўймади..* «Муштум». *Рўзивой мени ҳол-жонимга қўймай ўтирғизди-да, ўзи буфетчининг олдига кетди.* «Гулдаста». *Унинг мўлжалига кўра, Сидиқжон яна қасам ичиши, юр, деб қисташи, ҳол-жонига қўймаслиги керак эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲОЛСИЗ Ҳолдан кетган, мадори қуриган; дармонсиз, заиф. *Арча сандиқ ёнидаги намат устида ҳолсиз чўзилиб ётган бу одамнинг юз-кўзию уст-боши қандай — билиб бўлмас.. эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Йигитали ҳолсиз оёқларини судраб, эмаклаётгандай, яна олдинга интилди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҲОЛСИЗЛАНМОҚ Мадори қуримоқ, ҳолдан кетмоқ; дармонсизланмоқ, заифлашмоқ. *Пошша хола ҳолсизлангандай, стулга ўзини ташлаб ўтириб олди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *..йигитча қорларни ғарч-ғурч босиб келди-да, сувдаги киши қўлидан ҳолсизланиб, қолган қизни олди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Қусиб чарчаган Кумуш ҳолсизланиб, бошини ёстиққа ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲОЛСИЗЛИК Куч-мадори йўқ, ҳолсиз ҳолат. *Ранги оқарган, ҳолсизликдан кўзларини юмиб ётган бу аёл Набижоннинг хаёлида аллақачон ўрнидан турган.. у билан бошлашиб юрарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Йигиталининг бутун вужудини тер босган, ҳолсизликдан гандираклаб, қалин буталар орасидан кетаётганини биларди, холос.* Д. Нурий, Осмон устуни.

ҲОЛ-ҚУДРАТ *айн.* **бақадриҳол, баҳоли қудрат.** *-Оббо, ношукур бандалар-эй, шунча неъматни [дастурхонга] тўкиб ташлади-ю, яна нолигани нимаси? Ҳамма нарса ҳол-қудратга қараб-да!.. — деди Хўжаназар ака Моҳидилга.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Қирда лўлилар қишлоғи бунёдга келди. Ҳар бир оила ҳол-қудрат уй қуриб олди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ҲОМИЗ [*а.* حامض — аччиқ, нордон; кислота]: **ҳомизи қорбун** *эск.* Карбон гази; карбонат ангидрид.

ҲОМИЙ [*а.* حامی — ҳимоя қилувчи] **1** Қўллаб-қувватлаб, тарафини олувчи; ёрдам берувчи, ҳимоя қилувчи шахс. *Шариат ҳомийси. Миллат ҳомийси.* ▬ *Исломхўжа юртнинг бойлари, пулдорлари.. ўртасида кундан-кунга обрў қозониб, уларнинг ҳомийсига айлана борди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мирзо Улуғбек.. биргина илмнинг эмас, балки санъатнинг ҳам ҳомийси эди.* К. Яшин,

Ҳамза. *Участканинг қаҳрамонини эшакка ўтқазиб, кеча келган ўғри-безорилар ҳомийсини мансабга кўтарибсиз.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *иқт.* Бирон тадбир ёки фаолиятни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатувчи, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи жисмоний ёки юридик шахс.

ҲОМИЙЛИК 1 Ҳимоя этиш, тарафини олиш; ёрдам бериш; қўллаб-қувватлаш. *Косонда.. техникага меҳр-муҳаббати, эътиқоди зўр хотин-қизлар оз эмас. Аммо уларга ҳомийлик етишмаётир.* Газетадан.

2 Бирор тадбир ёки фаолиятни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, молиявий ёрдам.

Ҳомийлик қилмоқ 1) қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ, тарафини олмоқ; ҳомий бўлмоқ (*қ.* **ҳомий 1, ҳомийлик 1**). *-Ёшларга ҳомийлик қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш исломнинг, уламоларнинг ишидир, — деди қалтираб, бўзариб, мунофиқлардан бири.* Ойбек, Нур қидириб; 2) молиявий жиҳатдан қўллаб-қўлтиқламоқ, ёрдам бермоқ; ҳомий бўлмоқ (*қ.* **ҳомий 2, ҳомийлик 2**). *Самарқанд обидаларидек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган.. одам эзгуликни ҳис қилмаслиги мумкин эмас.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ҲОМИЙСИЗ Ҳимоя этувчиси, тарафдори йўқ, ҳимоясиз; ёрдам берувчиси йўқ, ёлғиз. *Ота-онадан етим, ҳомийсиз қолгани етмагандек, мусофир юртда у мафосил касалига мубтало бўлиб қолди.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ҲОМИЛА [*а.* حامله — иккиқат хотин] Она қорнида 2-ойнинг охиридан (9-ҳафта) бошлаб туғилиш вақтигача (40-ҳафта) ривожланаётган пушт (эмбрион). *Ҳомиланинг мўъжизали ривожланиш жараёни биологлар олдида турган энг мураккаб муаммолардан биридир.* «Фан ва турмуш». *Алпомиш кетган вақтда Барчиннинг бўйида ҳомила, гумона қолган эди.* «Алпомиш». *Бобур.. ҳомиланинг неча ойлик бўлганини билгиси келди, аммо рўйирост сўрашга тили бормай, гапни айлантирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ҲОМИЛАДОР [*а. + ф.* حامله‌دار — ҳомиласи бор] Қорнида ҳомиласи бор; иккиқат. *Гулнор бирдан чўчиб кетди, қорнида бир нималинг анча сезиларли равишда урганини туйди.. Дарров англади — у ҳомиладор!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОМИЛАДОРЛИК Қорнида ҳомиласи бор ҳолат; уруғланган тухум ҳужайранинг она организмида ривожланиб, етук ҳомилага айланишидан иборат физиологик жараён. *Биринчи марта юзларига доғ оралаб, ҳомиладорликнинг нишонаси сезилган кезларда эшикдан кирарди-ю, Валини маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўпиллатиб ўпарди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.

ҲОМИЛАЛИ *айн.* **ҳомиладор**.

ҲОМУЗА [*ф.* خمیازه — бир оз тортиш; эснаш, эснок]: **ҳомуза тортмоқ** *айн.* **ҳамёза тортмоқ** *қ.* **ҳамёза**. *Болалар бирин-кетин ҳомуза тортиб, ўринларидан эринчоқлик билан туришди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҲОПИТМОҚ *шв.* Чўмилмоқ.

ҲОРДИҚ 1 Иш-меҳнат, ҳаракат қилиб чарчаган, толган ҳолат; ҳорғинлик, чарчоқ. *Мулойим, дилнавоз садолар унинг [Йўлчининг] бутун томирларидан ҳордиқни суғургандай бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болаларнинг «заказ»ини бажаришга кетган дам олиш соатларининг ҳордиғи бирваракай ёзилгандай, кўкрагини тўлдириб нафас олди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Эркин меҳнат қўшиқларинг басталаб, Яхшилаб чал, ҳордиқларим тўкайин.* Ғайратий.

Ҳордиқдан чиқмоқ *айн.* **ҳордиғи чиқмоқ 2**. *У ўшанда яна бир ҳордиқдан чиқди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Шунча коммунистларнинг бошини кестириб ҳордиқдан чиқмаган Бадрий афанди энди менинг ҳам бошимни мўлжалга оляпти.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Ҳордиғи чиқмоқ** 1) чарчоғи ёзилмоқ, тарқалмоқ; шу тарзда дам олмоқ. *Келинг, қизим, қўлингизни ювинг. Жиндак наҳори қилайлик, шояд ҳордиқларингиз чиқса.* Ҳамза, Паранжи сирлари; 2) алами тарқамоқ, кўнгли жойига тушмоқ. *Ҳозир кенгаш чақириб қўймаганида, жиянининг таъзирини бериб, ҳордиғи чиққан бўларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Дам олиш; дам. *Куй берар юракка ҳордиқ ва дармон..* Ҳ. Олимжон. *Отақўзининг раис бўлганига йигирма йилдан ошди. Йигирма йил ҳордиқ нима, ҳузур-ҳаловат нима — билмайди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Тушлик ўтиб, икки соатлик мажбурий ҳордиқ тамом бўлгандан кейин, касалхона гавжум бўлиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

Тонг ғира-ширасида ухлаб, ҳордиқ олган аравакаш отларни суғориб, араваларга қўшди. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *с. т.* Дам олиш куни. У *ҳордиқ оқшоми ҳаммомга тушди-ю, ходмигарлардан бирига ҳалиги сўроғини берди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

Ҳордиқ куни *айн.* **ҳордиқ 3**. *Ҳордиқ кунлари шаҳардан чиқадиган автомобиль шу ерда* [*мактаб саҳнида*] *картина қўйиб берар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ҲОРДИҚХОНА *с. т.* Ишдан сўнг кириб дам олинадиган махсус бино, хона. *[Улар] Клубда яқинда ташкил қилинган ҳордиқхонага кириб, музика эшитишди,* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ҲОРИБ-ТОЛИБ Чарчаб, толиқиб. *Узоқ пиёда сафардан ҳориб-толиб келган киши ҳолатида эшикка қараб юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Шоввозлар, яқинлашиб қолдик, бардам бўлинглар, — деди Пирнафас ака. Яна ҳориб-толиб қадам ташлашарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ҲОРИБ-ЧАРЧАБ *айн.* **ҳориб-толиб.** *[Икромжон] Ҳориб-чарчаб, чодири олдида якка ўзи чой ичиб ўтирарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҲОРИМОҚ Иш, меҳнат қилиб толиқмоқ; чарчамоқ. *Озиқли от ҳоримас.* Мақол. ■ *Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгудай ҳоригани учун, ҳамма отларга Йўлчи қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бош муҳаррир анчайин ҳориган кўринар, лекин сир бой бермай, ўзини тетик тутишга ҳаракат қиларди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ҲОРМА(НГ) *унд. с.* Ишлаётган ёки ишлаб келган (ишдан чиққан) кишидан ҳол сўраш, унга мадад тилашни билдиради (жавоби — **бор бўл**(**инг**)). *-Ҳорманг энди, отам! — деди аёл, қотма узун қўллари билан Элмуроднинг елкаларидан силаб.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Ҳорма, йигит, ўтир-чи, — Йўлчига бошдан-оёқ тикилиб деди бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар. «*Ҳорма — бор бўл*»*дан кейин Жўра қамчисини токчага ташлади-да, ўтга келиб исинди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲОРМОҚ *айн.* **ҳоримоқ.** *-Тўғри, солдатлар ҳорган, сийраклашган, лекин тоза кучлар, қурол, аслаҳа-анжомлар келиб турибди, — деди генерал.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲОРҒИН Ҳориган, чарчаган ҳолатли; шундай ҳолатни ифодаловчи. *Ғамгин ва ҳорғин Абдулвоҳид боғдан астагина чиқди..* Ойбек, Нур қидириб. *Шунданми ёки чарчоқнинг зўриданми, Ҳотам ҳорғин хаёл суриб келарди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Муаттар эрининг ҳорғин юзига тикилди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Ниҳоят, Сардорнинг ҳорғин овози эшитилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҲОРҒИНЛИК Ҳориган, чарчаган ҳолат; ҳорғин эканлик. *Йигитали вужудини чарчоқ, ҳорғинлик қоплай бошлади, ўзини кўрпачага ташлади.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Кўк чой ичиб, Эркиннинг ҳорғинлиги чекиниб, вужуди бардамлашди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ўринга ётганда, тезроқ тонг отишини кутиб, ҳорғинлигига қарамай, уйқуси ўчди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОСИД [*а.* حاسد — ҳасад қилувчи, бадхоҳ] *эск. кт.* Ҳасад қилувчи; ҳасадчи, бахил. *Даричалари ёпиқ машқхонанинг ичи ҳосидлар юрагидек қоп-қоронғи, даромад ҳам ёпилгандан сўнг, уй гўё лаҳад тусига кирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲОСИЛ [*а.* حاصل — натижа, оқибат; якун, самара; мазмун, моҳият] **1** Экин, дарахт кабилардан етиштириладиган, олинадиган дон, сабзавот ва ш.к. *Халқим етиштирган ҳосил чўғига Баланд тоғлар ҳайрон қараб турибди.* А. Орипов, Йиллар армони. *..тарвузнинг энг қимматли навлари экилиб, мўл ҳосил олинди.* Газетадан. *Самарқанд атрофидаги боғларда мевали дарахтларнинг шохлари, етилган ҳосилдан эгилиб, ерга салом беради.* «Саодат». *Бу йил ҳосил миқдоридан ташқари тола сифатига алоҳида эътибор берилади.* Газетадан.

Ишонч ҳосил қилмоқ *қ.* **ишонч**. **Мурод ҳосил бўлмоқ** Мақсад амалга ошмоқ, орзу ушалмоқ. *Бу билан мурод ҳосил бўлмайди: каттароқ миқёсдаги ишни ўйлаш керак.* К. Яшин, Ҳамза. *Сен йўлиқиб ҳосил бўлди муродим..* «Нурали». **Қаноат ҳосил қилмоқ** *қ.* **қаноат**. **Ҳосил бўлмоқ** Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ. *Тўғон битиб, жар ўрнига катта кўл ҳосил бўлди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Реакторда ҳосил бўладиган иссиқликни чиқариб ташлаш учун икки контурли система қўлланади.* «Фан ва турмуш». *Ёш йигитнинг кўнглида томчилардан ҳосил бўлган севги тобора чуқурлаша берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ҳосилга кирмоқ** Ҳосил бера бошламоқ (асосан мева, мевали дарахт ҳақида). *Ҳовлиларда ҳосилга кирган нок, олмалар кўзга ташланади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Ҳосил (эркаклар исми).

ҲОСИЛА [*а.* حاصله – натижа, оқибат; самара] **1** Бирор иш, амал, ҳаракат ёки нарсадан келиб чиққан, келтириб чиқарилган, ҳосил қилинган натижа, нарса. *Гарчанд, инсон онги, тафаккури моддий олам ҳосиласи эса-да..* «ЎТА».

2 *мат.* Дифференциал ҳисобда: функциянинг ўзгариш тезлигини ифодаловчи асосий тушунча.

3 Ҳосила (хотин-қизлар исми).

ҲОСИЛДОР [*а. + ф.* حاصلدار – ҳосили бор, ҳосилга эга] Кўп ҳосил берадиган; серҳосил, унумдор. *Беш туп ҳосилдор тутни қирқтириб, Хўжаободда турувчи онасига саржин қилиб берди.* «Муштум». *Қадимги мулкдорларнинг ҳосилдор ер ва боғларигина эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш қуроллари ҳам энди батамом колхозга ўтиши лозим эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲОСИЛДОРЛИК 1 Ўсимлик (экин) ёки ернинг ҳосил етказиш, ҳосил бериш имконияти, хусусияти, ҳолати. *Пахта ҳосилдорлигини оширмоқ.* ▬ *Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда микроэлементларнинг ҳам роли катта.* Газетадан.

2 Муайян ҳажмдаги ердан олинадиган ҳосилнинг миқдори. *Ҳосилдорлик гектаридан 40 центнерга етказилди.* ▬ *Пахта ҳосили 20 центнердан 30 центнергача етди. Бу – ҳосилдорликнинг ортиши. Ялпи ҳосилчи?* «Ўзбекистон қўриқлари».

ҲОСИЛЛИ Ҳосил берадиган. *Ҳосилли боғ.* ▬ *Умаралининг бригадаси юқори ҳосилли бригада ҳисобланади.* И. Раҳим, Ихлос.

ҲОСИЛОТ [*а.* حاصلات – «ҳосил» с. нинг кўпл.] *эск. айн.* **ҳосил 1**. *Кўрдингиз-ку, қанча ерга экин экканман.. Ҳар йил хўжайинга арава-арава ҳосилот бераман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биз топширган ҳосилот Сизга ширин ош бўлсин.* З. Диёр.

Ҳосилот совети *(ёки* **кенгаши)** *тар.* Колхозларда деҳқончилик ҳосилини ошириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида тажрибакор деҳқонлардан тузилган ҳайъат. *Колхоз правлениеси Ўрмонжонни ҳосилот кенгашининг раиси қилиб тайинлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *тар. с. т.* Ҳосилот кенгашининг раиси. *У [Пирназар] узоқ йиллар колхозда раҳбарлик ўринларида ишлаган, бригадир бўлган, ҳосилот бўлган, беш-олти йил раислик ҳам қилган.* Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда.

ҲОСИЛОТЛИК *тар.* Ҳосилот вазифаси (*қ.* **ҳосилот 2**). *У.. правление шундай одамни ҳосилотликдан олиб, чорвачилик фермасига қўйганлиги ва унинг ўрнига пахтани фақат китобда кўрган Иброҳимовни тайинлагани чакки бўлганлиги тўғрисида гапирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲОСИЛОТХОНА [ҳосилот + хона] *тар.* Ерларнинг тупроқлари таркибини текшириш, ердан олинган ҳосил, ўсимлик намуналарини сақлаш учун қилинган лаборатория ва унинг биноси.

ҲОСИЛСИЗ Ҳосил бермайдиган ёки камҳосил. *Ҳосилсиз ер. Ҳосилсиз дарахт.*

ҲОТАМ [*а.* حاتم – киши номи] **1** *айн.* **ҳотамтой.** *У.. вақти келса қаттиққўл, вақтида сахий, одамохун ва ҳотам киши эди.* Ғ. Ғулом, Қаҳрамонлар ўлмайди. *Катталикни билмас бир яхши одам, Сахийликда йўлда қолибди ҳотам.* Фозил Йўлдош ўғли.

2 Ҳотам (эркаклар исми).

ҲОТАМЛИК *айн.* **ҳотамтойлик**. *Унинг ҳотамлиги тутиб кетди.* ▬ *У бу нотаниш йигитнинг ҳотамлигидан жуда ҳайратда эди.* Ф. Насриддинов, Кўнгил.

ҲОТАМТОЙ [*а.* حاتمطائی – тойлик (той қабиласидан бўлган) Ҳотам] Сахий, саховатли, олийжаноб (Той шаҳрида яшаб ўтган, ўзининг ўта сахийлиги билан машҳур бўлган Ҳотам номли афсонавий арабнинг исми-лақабидан). *Одамларинг бир кун давлатга, олти кун ўзига терсин бошоқни. Йигитали ҳотамтойнинг даврида давронини сурсин.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Бу ердагилар эса ўзларини «танти», балки «ҳотамтой» деб ҳисоблар эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲОТАМТОЙЛИК Ҳотамтойга хос иш, хислат, фазилат; ҳотамтой эканлик. *Чархчининг.. ҳотамтойлиги қассобни ғижинтирди, кўзлари олайиб кетди унинг.* А. Муқимов, Ғалати одамлар. *У Мirобиднинг топиш-тутишини, ҳотамтойлигини, тантилигини оғиз кўпиртириб мақтарди,* В. Ғофуров, Вафодор.

ҲОФИЗ [*а.* حافظ – сақловчи, муҳофаза қилувчи; ёдда сақловчи; қуръонни ёдлаб олган киши] Уста, етук ашулачи. *Халқ ҳофизи.* ▬ *Ногоҳ жимжит ва қизғин ҳавони янгратиб, ҳофизнинг таъсирли овози кўта-*

рилди.. Ойбек, Танланган асарлар. *Олим илми билан ҳурмат топур, ҳофиз хуш овози билан одамларнинг дилини хуш қилур, ҳунарманд эса кишиларнинг ҳожатини чиқарур..* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳофиз йигит ҳали ўн саккиз-ўн тўққиз ёшда бўлса-да, овози ширали, юракларни сел қилиб, тингловчини ерга қаратиб қўярди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲОФИЗА [*а.* حافظه – хотира; эсда сақлаш қуввати] Эсда сақлаш қобилияти (*қ.* **хотира 1)**. *Сенинг ҳофизанг кучли.* ▬ *Зокир ота ҳозир ҳам тетик ва бардам, ҳофизаси бақувват, гапи ва қиёфасидан кулги аримайди.* М. Қодиров, Ҳажв, ханда ва қаҳқаҳа усталари. *Муқимий ҳофизаси яхши ва сермаҳсул шоирлардан эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Кошки эди сиздаги ҳофиза қувватининг ўндан бири менда бўлса!* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ҲОШИЯ [*а.* حاشیه – бирор нарсанинг чети, айланаси, зиҳи; китоб, дафтар четидаги ёзувлар, изоҳлар] **1** Кийим, мато ва ш. к. нинг айланаси, чети. *Белида ҳошиясига ғазал битилган қийиқ, оёғида қўнжи тор ағдарма этик..* К. Яшин, Ҳамза. *Мен кетдим, деб.. ҳошиялари титилган қалин портфелни қўлтиқлаганча. хонадан чиқди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қамчи янги қизил тўн кийган. Ҳошиясига аллақандай живир-живир гул нақшланган бу тўн унинг паст бўйига, қотма гавдасига жуда ярашиб тушибди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Кийим, мато кабиларнинг четига, айланасига тортилган, солинган нарса (лента, нақш ва ш.к.). *Уларнинг кўзлари Пўлатжоннинг кўкрагидаги орден, медаллар, елкасидаги погон, енгидаги ялтираган.. сариқ ва ҳаворанг ҳошияларда эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Оқ тунука парчаси текис қилиб қирқилган.. атрофларига усталик билан болғанинг учида нозик жимжима ҳошия солинган эди.* И. Раҳим, Ихлос. *Чеккасига қора ҳошия тутилган байроқ олдинда хомушлик билан силкиниб, ҳилпираб борарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

3 Китоб ёки дафтар варағи атрофидаги хат ёзилмай очиқ қолдирилган қисм. *..кўксини ўртаётган ўкинч, алам, ҳақорат патқаламни бир дам тўхтамайди, варақнинг икки бети ҳошиялари ажи-бужи майда ҳарфлар билан тўлаверади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 *тар.* Араб тили грамматикасидан мадраса талабалари учун тузилган қўлланма (лексик ва грамматик хусусиятларга доир изоҳлар мажмуи). *Соҳиб ўғли.. мадрасада «Ҳошия»гача ўқиган, янги усулда таълим-тарбия курсини тугатган.* Газетадан. *Уларнинг [толиби илмларнинг] қай бири «Қофия»да, қай бири «Ҳошия»да, қай бири «Шамсия»да.* Ойбек, Навоий.

5 Ҳошия (хотин-қизлар исми).

ҲОШИЯЛАМОҚ 1 Бирор нарсанинг четида ҳошия ҳосил этмоқ; ҳошия ажратмоқ. *Гиламни ҳошияламоқ. Дафтарни ҳошияламоқ.*

2 Ҳошия қадамоқ, ўтказмоқ, туширмоқ. *Байроқни ҳошияламоқ.*

ҲОШИЯЛИ Ҳошияси бор, ҳошия чиқарилган. *Ҳошияли газмол. Ҳошияли дафтар. Ҳошияли байроқ.* ▬ *Оддий кўкракбурма ҳаворанг батис кўйлакдаги, бошига яшил ҳошияли оқ шоҳи дурра танғиган.. Ойниса.. Хондайлиқ қишлоғидан.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Пиёзи чакмонининг барини тақимига қисиб, қора бахмал ҳошияли оқ қалпоғини бостириб олган хушрўй йигит баланд пахсадан осилиб тушган беҳи шохига қараб борар эди,* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲОШО [*а.* حاشا – бошқа, -дан ташқари, -дан бошқа, мустасно қилганда] *эск. кт.* Худо сақласин, худо ҳақи; асло. *Ҳошо, бу гапни мен айтганим йўқ.* ▬ *-Талоқ хати ёзғувчи Отабек эмасми? -Ҳошо.. Отабек мундай гаплардан хабарсиз. Унинг отидан талоқ хати ёзган ҳам шу бадбахт Ҳомид.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲО-ҲО *айн.* **ҳо** I. [*Жамила:*] *Мени олар эмиш. Ҳо-ҳо, мен сендай қорин бойларни тахти-бахтинг билан ўзимнинг камбағал эримнинг ҳаром тукига олмасман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ҲУ I *айн.* **ҳов** I. *Ҳу, қорайиб кўринган нима? Ҳу, дарёда чўмилганларимиз эсингда борми? Ҳу анави кунги гап нима бўлди?* ▬ *Ҳу ана у ерга идора, клуб тушади. Мана бу тўқайнинг ўрни боғ бўлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳу бир вақтда юборган ҳикоям энди чиқибди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲУ II *унд. с.* Қарғиш, сўкиш ифодаловчи сўз-иборалар билан бирга қўлланиб, кучли қаҳр, ғазаб, нафрат ҳис-туйғусини билдиради. *Ҳу, ер ютсин сени!* ▬ *Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз*

девордан кесак кўчириб олиб, мулла Норқўзига ўқталди: -Ҳу, ўл, турқинг қурсин! А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ҲУ III *унд. с. дин.* Илоҳий кучга ёрдам сўраб мурожаат қилганда айтиладиган нидо. *Ҳасан «ҳақ!» деб, «ҳу!» деди, Ғиркўк отини чу деди.* «Равшан». *Бу мудҳиш, машъум базмга ҳалиги ялмоғиз фолбиннинг хаста овоз билан вайсаши қўшилди: -Ё султон! Ё чилтан! Ҳу, ҳу, ҳу!* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲУ IV *тақл. с.* Қумри, ғуррак каби қушларнинг сайрашидаги товушни билдиради. *Мусича, ғурраклар ғуруллаб, ҳу тортиб.. боққа оройиш бериб, нағмасозлик бир муносиб ярашиб турибди.* «Равшан».

ҲУББУЛМАЛИК [*а.* حبّ الملوك – шоҳлар уруғи, донаси] *эск.* Бир нав сурги дори (эски табобатда қўлланган).

ҲУВ I *айн.* **ҳов** I. *Ҳув анави катта иморат олдида автобуслар тўхтайди.* ▬ *Ҳув оқ ерни қирқ йил экдим даҳякка.* Ғ. Ғулом. *Ҳув ана икки пақир, Қани, дарров олингиз.* Қ. Муҳаммадий.

ҲУВ II *унд. с.* **1** *айн.* **ҳу** II. *Ҳув, кўзингни ел есин, бир даста парингни Ёқут опангдан аяйсанми, буларни мен ёвга олиб бораманми?* Ғ. Ғулом, Соялар.

2 (*одатда, хотин-қизлар нутқида*) Кимсанинг чақириғига жавоб сифатида қўлланади. *-Салимахон, ҳо Салимахон! -Ҳув, келаверинг.*

ҲУВ III *айн.* **ҳу** III. *Назари чўлга тушди, Ҳув, дея йўлга тушди.* Ҳ. Олимжон. *Қорахон подшо.. пайти саҳар, ҳув, деб шаҳардан чиқиб кетди.* «Эрали билан Шерали».

ҲУВ IV: **ҳув этмоқ** *айн.* **ҳувулламоқ** II. *-У кетди-ю, уйимиз ҳув этиб бўшади-қолди, кўнглимизга ғам-ҳижрон чўкди, — деди Зумрад ўртоғига.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҲУВАЙДО [*ф.* هويدا – очиқ-ошкор, равшан, аниқ кўриниб турадиган] **1** *эск. кт.* Аниқ кўриниб турадиган; аниқ; равшан. *Сени, болалигим, мен кўрдим боя Баҳор дийдорида равшан — ҳувайдо.* Миртемир.

2 Ҳувайдо (хотин-қизлар ва эркаклар исми).

ҲУВУЛЛАМОҚ I Майин овоз чиқариб эсмоқ (совуқ шамол, изғирин ҳақида). *Шамол, ўчакишгандек, ҳувуллаганча дақиқа сайин кучаяр.. ҳали-вери тинадиганга ўхшамасди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Кейин ҳувуллаб, боягидан кучлироқ шамол эсиб ўтди.* М. Мансуров, Ёмби.

ҲУВУЛЛАМОҚ II Кимсасиз, бўм-бўш ҳолатда бўлмоқ. *У* [*Самандаров*] *кетгандан кейин, худди бутун ҳовлини тўлдириб, хандон-хушон суҳбат қилиб ўтирган бир талай меҳмон бирдан чиқиб кетгандай, ҳовли ҳувуллаб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кўчалар алланечук ҳувуллаган. Босилмаган қор отларнинг тиззасига чиқади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Маҳкам ака эшикдан кирибоқ икки катта ўғлининг ўрни ҳувуллаб турганини пайқади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Ҳозир ҳувуллаб турган чўл уни ютаман деяётганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ҲУВУЛЛАТМОҚ Ҳувулламоқ II фл. орт. н. *Бувиси бўлса, буларникида бир ҳафта аза тутди-ю, уйни ҳувуллатиб, қариндошлар қатори жўнаб қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ҲУВ-ҲУВ Ҳув III с. нинг такр. *Қаландарлар анчагина йиғилиб қолган халойиқнинг олдида саф бойладилар. Ҳаммалари узун-қисқа ҳассаларига таяниб, «ҳув-ҳув» деб, тебраниб турар эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲУВҲУВЛАМОҚ «Ҳув-ҳув» деган овоз чиқариб сайрамоқ (қумри, ғуррак каби қушлар ҳақида).

ҲУДА-БЕҲУДА(ГА) [*ф.* هده بيهده – фойдали-фойдасиз, керакли-кераксиз] Бекордан-бекорга, керак бўлса-бўлмаса; ўринсиз. *Тошев келгандан бери Маҳкам деканатга ҳуда-беҳуда киришдан жуда тортинарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Қўшнилардан ташвишланманг.. ҳуда-беҳуда шовқин қилиша бермайди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. *Ҳуда-беҳудага ўзингни қийнатма..* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ҲУДАЙЧИ *тар.* Хон ва амирнинг ҳузурига иш ва арз билан келганлар ҳақида хон, амирга хабар берувчи ва хон, амирнинг жавобини уларга етказувчи амалдор. *Анвар, ҳудайчи учун ажратган аризаларни қўлига олиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қарсак товушига ҳудайчи кирди. -Келтир! — деди хон унга ияк қоқиб. Ҳудайчи лип этиб чиқиб кетди.* С. Сиёев, Аваз.

ҲУДУД [*а.* حدود – «ҳадд» с. нинг кўпл. – чегаралар] *кт.* **1** Чегара, ҳад. *Ҳудуддан ўтганда фашист — олчоқ ёв, Ободон шаҳарлар*

ёнганда лов-лов.. Шуҳрат, Сенинг севгинг. *Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони эса обод бўлган ернинг ҳудудида турардик..* С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 Маълум чек-чегарасига эга бўлган, шундай чегара билан ўралган (ажралган) ер; маълум давлат, вилоят ва ш. к. га тегишли бўлган ер, майдон. *Туманимиз ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқлар.*

ҲУДУДСИЗ *кт.* Чек-чегараси йўқ; чексиз, поёнсиз. *Бектемир ҳозир ўзини бутун борлиғи билан ўз қишлоғида, кенг дала, ҳудудсиз қирларда кўрарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳудудсиз осмон остида, сариқ қумлар, юлғунзор орасида танҳо хаёл суриб ўтиришни тусаб қоларди.* С. Сиёев, Аваз.

ҲУДҲУД [*а.* هدهد – попишак; сассиқпопишак] *шв.* Попишак. *Нурга чўмган бир водийда кенгаш қуриб ўтирган тўти, ҳудҳуд, қумри, товус, булбул, лочин ва бошқа паррандалар Семурғ қушини ўзларига бошлиқ қилиб олишга қарор қилиб, уни топиб келтириш учун парвоз қиладилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ҲУЖАЙРА [*а.* حجيره – кичкина хона, ҳужрача; катакча] *биол.* Ўсимлик ва ҳайвон организмининг такомиллашиши, тузилиш ва яшаш жараёнларининг асоси бўлган элементар тирик система (Моддалар алмашинувида иштирок этиши, янги ҳужайра ҳосил қилиши ва доимо янгиланиб туриши ҳужайранинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади). *Ҳужайра девори. Ҳужайра маркази. Ҳужайра назарияси.* ▬ *Олимларнинг якдиллик билан айтишларича, марказий нерв системаси ниҳоятда нозик нерв ҳужайраларидан иборат.* «Саодат».

ҲУЖАЙРАВИЙ [*а.* حجيره‌وى – ҳужайрага оид; ҳужайрадан иборат] Ҳужайраларга хос, ҳужайралардан таркиб топган. *Организмларнинг ҳужайравий тузилиши.* ▬ *19-асрнинг 30-йиллари охирида ўсимликларнинг деярли барча органлари ҳужайравий тузилишга эга эканлиги аниқланди..* «ЎзМЭ».

ҲУЖАЙРАЛИ Ҳужайраси бор, ҳужайралардан иборат. *Бир ҳужайрали микроблар. Кўп ҳужайрали организмлар.*

ҲУЖЖАТ [*а.* حجّت – далил, исбот; сабаб, баҳона] **1** Кимсанинг кимлигини (шахсиятини), машғулотини, бирор ташкилотга аъзолигини тасдиқловчи гувоҳнома (паспорт, гувоҳнома, талабалик билети, аъзолик билети ва ш. к.). *Эркак киши ичкарига кирди ва соат чўнтагидан ҳужжатини олиб кўрсатди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Муҳиддиннинг ўрта мактабни кумуш медаль билан тамомлагани, агрономия мактабида ўқигани ҳақидаги ҳужжатларни кўздан кечириб, бир чеккага суриб қўйди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Инспектор ҳужжатларимни синчиклаб текширди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бирор иш-фаолият ёки нарсага ҳақ-ҳуқуқ ва ш.к. ни кўрсатувчи, тасдиқловчи иш қоғози. *Эрталаб бориб, жўнаш учун керакли ҳужжатларни олди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Қумқишлоққа ишга борасиз. Мен ҳужжат ёзиб бераман.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Хўжабеков – раис, Саидғози – унинг қўл остида юрган кичик бир одам.. барча ҳужжатларда Хўжабековнинг қўли.* С. Анорбоев, Оқсой. *Улар савдо-сотиқ ҳужжатини расмийлаштиргач, ҳақиқий зиёфат бошланиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Илмий, ижтимоий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ёзувлар, суратлар, асар ёки адабиётлар. *Ўрхун-Енисей ёзувлари энг қимматли тарихий ҳужжатлардир.* ▬ *Умид келибоқ.. профессорнинг мақоласини ёзишга киришиб кетди. Китоблар титди, газеталарда босилган ҳужжатларни ўқиб чиқди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳозир шаҳримизда ана шу муҳим ҳужжат катта қизиқиш билан муҳокама этилмоқда.* Газетадан.

ҲУЖЖАТЛАМОҚ *эск.* Ҳужжат билан (ҳужжат қилиб) расмийлаштирмоқ (мол-мулк ва ш. к. ни). *Тўғри, бой отам мол-мулкини ҳужжатлаб беришдан бош тортгандан кейин, Салим ғазабланди, болалик қилиб вакиллади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲУЖЖАТЛАШТИРМОҚ Ҳужжатлар билан асосламоқ, ҳужжатли ҳолга келтирмоқ. *Тураржойни ҳужжатлаштирмоқ.*

ҲУЖЖАТЛИ 1 Ҳужжати бор, ҳужжатга эга бўлган. *Ҳужжатли шахсий автомобиль. Ҳужжатли ҳовли.*

2 Маълум ҳужжатларга, ҳақиқий воқеаларга асосланган; воқеий. *Ҳужжатли фильм.* ▬ *Ўзбекистонда биринчи ҳужжатли фильмни Худойберган Девонов суратга олган.* «ЎзМЭ». *Ҳужжатли қиссанинг ёзилишига устозларнинг сўнмас хотираси ундади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ҲУЖЖАТЧИ *с. т.* **1** Ҳужжат(лар)ни тайёрловчи, расмийлаштирувчи.

2 Ҳужжат(лар) асосида фильм, асар ва ш. к. лар устида ишловчи. *Бу талантли фильм Ўзбекистон кино ҳужжатчиларини ўз ижодларига янгича назар билан, атрофимизда юз бераётган воқеаларга чуқуррoқ ёндашишга даъват этади.* Газетадан.

ҲУЖЖАТЧИЛИК 1 Ҳужжат ишлари.

2 Бирор нарсани ҳужжат билан асослаш, ҳужжатлар билан иш олиб бориш. *Кейинги вақтларда драматургияда ҳужжатчилик анча кенг расм бўлди.* Газетадан.

ҲУЖРА [*а.* حجره – хона, бўлма; каюта] **1** Киши яшайдиган кичкина хона, уйча. *Раъно шу сўзни айтиб, орқасига қайта берди, эшикни боягича ёпиб, ҳужрадан йироқлашди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Чўлда мен ўзимга кичкинагина ҳужра қуриб олганман.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Давлатёр қайтди. Элмурод чий тўсиқлик айвон олдидан аста одимлаб, ўз ҳужрасига ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *тар.* Мадраса, қорихона ва масжидда шогирдлар, домуллалар яшаши учун ажратилган кичик хона(лар). *Бу ҳужраларнинг кўпчилиги бир эшикли ва олди равоқли бўлиб, одам ҳам, ҳаво ҳам, зиё ҳам ўша бир эшикдан кирарди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Мадраса ҳужраси сочади зиё, Асрлар қаърига зулматни қувиб.* А. Шер.

ҲУЖРАБАЗМ [ҳужра + базм] Уй ичи, хона(ҳужра)да бўладиган ўйин-кулги, базм. *Машшоқлар чолғуларни қўлга олдилар. Энди гузарда шовқинли катта ўйин ҳавоси эмас, ширин, майин ҳужрабазм садоси оқа кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲУЖРАДОР [*а.* + *ф.* حجره‌دار – ҳужра эгаси] *тар.* Ҳужра эгаси, ҳужраларни бошқарувчи (*қ.* **ҳужра 2**). *-Тўхтанг, – деб имомнинг сўзини бўлди янги ҳужрадор, – мен «мақбуз» деган гапни тушунмадим. Марҳамат қилиб тушунтириб берсангиз.* С. Айний, Қуллар.

ҲУЖРАДОШ *тар.* Бир ҳужрада турувчи шахс (бири иккинчисига нисбатан; *қ.* **ҳужра 2**). *Мадрасанинг катта мударриси мени бир қирғиз хатмкардага ҳужрадош қилиб қўйди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ҲУЖУМ [*а.* هجوم – ҳамла, тажовуз, босқин; касаллик хуружи] **1** Эгаллаш, йўқ қилиш, қайтариш ва ш. к. мақсадда ҳаракат қилиш; шундай мақсаддаги ҳаракат, уриниш; ҳамла. *Аёллар тош, ғишт парчаларини кўтариб, эшик ва деразаларга ҳужум қила кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу пайт қўққисдан иккинчи бургут ҳам ҳужумга ўтди. Оқсоқ тўнғизча анчагача чийиллаб турди, сўнг овози тинди.* «Фан ва турмуш». *Раҳим итининг олғирлиги, қўй подасини қандай қилиб бўрининг ҳужумидан қутқаргани ҳақида мақтана кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *ҳарб.* Бирор ҳудудни забт этиш, душманни йўқ қилиш учун техника ва ш. к. билан ҳаракат қилиш, ташланиш. *Ҳужумга ўтмоқ. Душман ҳужумини қайтармоқ. Ҳаво ҳужуми.* ▬ *Бомбардимончиларнинг ҳужуми ўн беш минут давом этди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Душман қанчалик гангитилса.. ҳужумнинг муваффақияти шунчалик муқаррар бўлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ўрмон яқинида шох-шабба билан яширилган иккита душман танки ҳужумга шай турганлиги ҳақида хабар келтиришди.* Газетадан.

3 *спрт.* Қарама-қарши томонли спорт ўйинларида рақибнинг ҳимоясини енгиш, ҳимоя нуқтасини ишғол этиш учун ташланиш ҳаракати. *Кетма-кет бўлган ҳужумлар ўз натижасини берди: футболчиларимиз рақиб дарвозасига жавобсиз икки тўп киритдилар. Боксда ҳужум билан бирга ҳимояни ҳам эсдан чиқармаслик керак.* ▬ *Унинг рақиби шоҳни ҳужумдан мудофаа қилиш учун узоқ ўйланиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *кўчма* Танбеҳ, ҳақорат қилиш, сўкиш ва ш. к. билан кимсага ташланиш; ҳамла. *Хушрўй чодирдан чиқмасданоқ, чой ташиб, хизмат қилиб юрган кундошига кесатиқ билан ҳужум бошлайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шунинг учун Убайдулла ака ҳар бир масалада куёвининг ёнини олар, хотини сал ғинший бошласа, дарҳол ҳужумга ўтарди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

5 *кўчма* Бирор катта иш ёки тадбирни амалга оширишга қаратилган умумхалқ ҳаракати. *Саводсизликка қарши ҳужум. Паранжига қарши ҳужум.* ▬ *Машиналар ишлаётган жойда чўлга қудратли ҳужум бошланганлиги сезилиб турибди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ҲУЖУМКОР [*а.* + *ф.* هجومکار – ҳужум қилувчи] **1** Ҳужум қилувчи, ҳужум билан ҳаракатланувчи (**ҳужум** – тўғри ва кўчма

маънода). *Хуррамов бўлинмаси ҳужумкор группалар билан душманнинг ўқ олмас жойларини портлатиши керак эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ҳужумкорлар қанча кўпайса, чўл шунча тез чекинади.* Газетадан. *Душман жанг билан чекинар, лекин бирон маррада ҳужумкорларимизни тўхтатиб қолишдан ожиз эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ҳужумга асосланган, ҳужум билан характерланувчи (иш-фаолият кабилар ҳақида). *Командалар ўтган давр мобайнида кўпгина қизиқарли, ҳужумкор футбол ўйинини намойиш қилиб, мухлислар қалбига оламолам қувонч бағишладилар.* Газетадан.

ҲУЖУМКОРЛИК Ҳужумкор ҳаракат; иш-ҳаракатдаги ҳужумкор руҳ. *Баъзи футбол жамоалари ўйинида ҳужумкорлик етишмайди.* ▬ *Айрим жамоат ташкилотлари.. жамиятга зарарли хатти-ҳаракатларга қарши ҳақиқий ҳужумкорлик кураши олиб бормаяптилар.* Газетадан.

ҲУЖУМЧИ 1 *ҳарб.* Душман устига бостириб борувчи, ҳужум қилувчи. *Ҳужумчи танкчилар. Ҳужумчи учувчилар.* ▬ *Комилов ротадан ўттиз жангчини танлаб олдида, ҳар бири ўн кишидан учта ҳужумчи группа тузди.* «Гулистон».

2 *спрт.* Команданинг ҳужум чизиғида ўйновчи спортчи; *зид.* **ҳимоячи**. *Болалар кўчани бошларига кўтариб, чангитиб, тўп тепишарди. Улар тарафма-тараф бўлиб олишган, икки томоннинг дарвозабони, ҳужумчию ҳимоячилари бор.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Бу тўпни олтинчи минутда ҳужумчи Б. Иброҳимов киритди.* Газетадан.

ҲУЗН [*а.* حزن – ғам-ғусса; мотам; қайғу, ҳасрат] *эск. кт.* Ғам, қайғу. *Унинг [Кумушнинг] кўзларида доимий бир маъюсият, аримас бир ҳузн, ҳар онда бир энтикиб чайқалиш эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нашъалардан хаёлингга маржон тиз, Кипригингга асло ҳузн қўнмасин.* Ойбек.

ҲУЗНЛИ *эск. кт.* Ғамли, қайғули. *Ўзбек қизларининг юрак дардлари Нақадар ҳузнли бу олти ҳарфда!* Х. Расул.

ҲУЗУР I [*а.* حضور – бор, мавжуд бўлиш, ҳозир бўлиш; келиш, кўриниш, намоён бўлиш] Юқори даражадаги қаноат, қониқиш ҳисси, киши вужуди, аъзоларининг яйраш ҳолати; роҳат. *Ўз меҳнатининг ҳузурини кўрмоқ.* ▬ *Канал суви қирғоққа бир маромда ел пуркаб, саратонда одамга ҳузур бағишлайди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Пахтачиликнинг азоби ҳам, ҳузури ҳам бор..* Газетадан. *Латофат.. гуллар ичида юргандек, ҳузур билан нафас олди.* С. Зуннунова, Янги директор.

Ҳузур қилмоқ Ҳузур, роҳат ҳиссини туймоқ; ҳузурланмоқ. *Ҳузур қилиб нафас олмоқ. Совуқ сувда ҳузур қилиб ювинмоқ.* ▬ *Баҳор ҳавосидан кўнгиллар ҳузур қилади.* Ойбек, Улуғ йўл. *Умид югуриб чиқиб, қўлини совунлаб ювиб келди, овқатни ҳузур қилиб ичди.* Мирмуҳсин, Умид. *Мирвалиев ўз гапидан ўзи ҳузур қилиб кулди.* «Муштум».

ҲУЗУР II [*а.* حضور] (*ж.к., ў.-п.к. ёки ч.к. да* – **ҳузурига**, **ҳузурида**, **ҳузуридан**) *кўм. взф.* Макон муносабатларини билдиради. *Азимжон ишдан қайтаётиб, бугун яна онасининг ҳузурига кирди.* «Саодат». *Тошпўлатов раис билан.. мактаб ҳузурида курс очиш учун махсус жой ажратиш режалари ҳақида узоқ суҳбатлашди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ташаббускор қурувчилар ҳузуридан қайтар эканмиз, улар амалга ошираётган ишлар ва белгилаётган режалар ҳақида ўйладик.* Газетадан.

ҲУЗУРБАХШ [*а.* + *ф.* حضوربخش – ҳузур бағишловчи] Ҳузур бағишлайдиган. *Боғ қанчалик чиройли, салқин, ҳузурбахш бўлса ҳам, ёлғиз одамни тез зериктирар экан.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ҲУЗУРЛАНМОҚ *кам қўлл. айн.* **ҳузур қилмоқ** *қ.* **ҳузур** I. *Қўқон дарбозасига тўлган халқ Азизбекнинг от оёқлари остида судралиб кетишига ҳузурланиб томоша қилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Каримжон.. азбаройи ҳузурланганидан, қоронғиликда ўз-ўзича жилмайиб қўяди.* О. Ёқубов, Қаҳрамон излаб. *Чавандоз.. ҳузурланганидан кўзларини юмиб олган.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой. *Фотима яна боягидай ҳузурланиб, табассум қилди.* Т. Ҳайит, Вафо маликаси.

ҲУЗУР-ҲАЛОВАТ Ҳузур ва ҳаловат, роҳат ва фароғат, ором. *Шундай қилиб, раис ҳузур-ҳаловатда яшарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ҲУЙТ 1 *унд. с.* Қушларни чўчитиш, ҳайдаш учун қўлланади.

2 *тақл. с.* Саъва, булбул каби қушларнинг сайраш овозига тақлидни билдиради.

ҲУЙТҲУЙТЛАМОҚ «Ҳуйт-ҳуйт» деган овоз чиқариб сайрамоқ. *Чол боши билан*

булбул ҳуйтҳуйтлаётган томонга ишора қилиб давом этди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲУЙЯ, ҳуйя-ҳуй *шв.* Ота томонидан айтиладиган алла. *Ҳуйя, улим, ҳуйя-ҳуй; Жоним улим, ҳуйя-ҳуй.* «Фольклор». *Жоним болам от чопсин, Отига бахмал ёпсин, Ҳуйя солсин отаси.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ҲУКАМО [*а.* حكماء – «ҳаким» с. нинг кўпл.] **1** *эск. кт.* Ҳакимлар, табиблар. *Қазо етганда, барча ҳукамо ожиз қолдиларким, одам тангри хоҳиши билан бўлган қазога қарши нима қила олади?* Ойбек, Навоий.

2 Донишмандлар, файласуфлар. *Ҳусайн ҳар куни ярим кечагача ўтириб, юнон ва араб ҳукамоларининг тиб ва фалсафага доир китобларини ўқир эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ҲУКМ [*а.* حكم – ҳукмронлик: ҳокимият, бошқариш; тузум; қарор, тўхтам, буйруқ; фикр, тушунча] **1** *ҳуқ.* Суд, ҳуқуқий маҳкама ёки шахснинг жиноий иш юзасидан чиқарган узил-кесил, қатъий қарори; шунингдек, бирор иш юзасидан бўлган ажрим хулосаси, қарори. *Ижобий ҳукм. Салбий ҳукм. Қатъий ҳукм. Қозининг ҳукми. Ҳукмни ижро этмоқ.* ▬ *Сидиқжон суднинг ҳукмидан жуда хурсанд бўлди-ю, лекин Шарофатнинг шикоят қила олиш ҳуқуқидан хавотирга тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳозир Николайнинг фуқаросиман, хонингнинг ҳукми ўтмайди менга..* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Бизни кимнинг ҳукми билан ўлдирмоқчи бўлаётирсиз? – деди хатирчилик банди миршаб одамига.* С. Айний, Қуллар. *Фақат айблов ҳукми билан судланувчи айбдор деб топилади ва жазога тортилади.* «ЎзМЭ».

Ҳукм қилмоқ (*ёки* **этмоқ**) Жиноий жазо ёки бирор иш ҳақидаги қарорни белгиламоқ, суд қарори билан жиноий жазони белгиламоқ. *..халқ суди Собир Сайдаровни ўн беш йил, Мирзажоновни ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.* Газетадан. *Суд Насибалини Сидиқжон Соҳибжоновга ҳукм қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Умуман, бир иш, масала юзасидан бўлган, хулоса тарзидаги фикр; қарор. *Баротнинг ҳаққоний сўзи, ҳукми мингбошини ерга киргизиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отанинг ҳукми вожиб, унинг иродасига бўйсунмай иложи йўқ.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Эргаш Соттининг бугунги кирдикорини кўпчилик ҳукмига ташламоқчи бўлса ҳам, гапни нимадан бошлашни билмай ўйланиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ҳукм юритмоқ *айн.* **ҳукм қилмоқ** (*қ.* **ҳукм 1**). *Эҳтимолки, унинг топган давлати ўғрилик орқасидадир, кишининг давлатига қараб ҳукм юритиш қийин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ҳукм қилмоқ** Хулоса тарзидаги фикр билдирмоқ, қарорга келмоқ. «*Бу ҳам ўшалардан бўлса керак» – ҳукм қилди ўзича чол.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Бу нарсага олдиндан ҳукм этиш тўғри эмас.. ҳар бир иш оллонинг буйруғи билан бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Киши ёки нарсанинг бирон иш қилиш изм-ихтиёри (тўғри ва кўчма маънода). *У ҳозир жувоннинг ҳукмида бўлиб, унинг хоҳишига қарши ҳеч нарса деёлмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сенга зулм қилган шу икки оғанг сенинг ҳукмингда!* «Олтин бешик». *Ер-сув, бошқа моддий бойликлар бир тўда бойлар ҳукмида бўлган..* Н. Сафаров, Оловли излар. *Оёқдан ажралган пайтимда, умр йўлдошим мени тақдирнинг аччиқ ҳукмига ташлаб жўнаб қолганда, мен нима қилмоғим керак?* С. Кароматов, Бир томчи қон.

Одат ҳукмига кирмоқ Одатга айланмоқ, одат тусини олмоқ. *Уйқу ва ҳаловатнинг баҳридан кечиб, ҳар бир туп ғўзани хатосиз ундириб олиш Қурбонали полвон звеносида одат ҳукмига кириб қолди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

4 *кўчма* Буйруқ, амр. *Сенинг ҳукминг ўтмайди.* ▬ *Шу кемачи қўрқиб, бўзариб Деди Омон ёнига бориб: -Дарё теран, таёв етмайди, Сувга, ўғлим, ҳукм кетмайди.* Э. Раҳим. *Дин ва олтин ҳукми-ла, Кўп уй бузилди. Ҳисобсиз маъсум бошлар Тандан узилди.* Ғайратий.

Ҳукм сурмоқ 1) ҳукмронлик қилмоқ. *Бобурнинг Туркистон ва Афғонистонда яшаган ва ҳукм сурган вақтида ёзган шеърлари Парижсдаги миллий кутубхонада мавжуд экани аниқланди.* «ЎТА»; 2) бирор ҳолат чулғамоқ, эгалламоқ. *Бемор кўзини очган маҳал.. хонада сокинлик ҳукм сурарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Уйда ғалати бир тантана ҳукм сурарди.* С. Зуннунова, Янги директор. **Ҳукмини ўтказмоқ** Ўз айтганини қилдирмоқ, ўз хоҳишига бўйсундирмоқ (тўғри ва кўчма маънода). *«Мен валийман», деб подшоҳларга ҳукмини ўтказиб, жуда катта бойлик орт-*

тирган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳозир энг қизғин палла бошланмоқда — баҳор ўз ҳукмини ўтказишга киришмоқда.* Газетадан.

5 *мнт.* Нарса ва унинг белгиси ҳақидаги тасдиқ ёки инкор мазмунли фикр.

6 *эск. айн.* **кесим 3.**

ҲУКМДОР [*а. + ф.* حکمدار — ҳукм қилиш ҳуқуқи бўлган, ҳокимият эгаси] *тар.* Бирор ҳудуд ёки мамлакатнинг ҳуқуқи чекланмаган ҳокими; хон, подшо. *Суғд мамлакатининг ҳукмдори. Қабила ҳукмдорининг мақбараси.* ▬ *Жаллод айтар: -Амр қилди ҳукмдор, Булар учун тиклангандир тилла дор.* «Эрали ва Шерали». *Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Ҳиндистоннинг ғарбига ҳужум қилди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Тангада Қорахонийлар сулоласининг ўша даврдаги ҳукмдорлари кўрсатилган.* «Фан ва турмуш».

ҲУКМДОРЛИК Ҳукмдор ҳолати, ҳукмдор эканлик. *Ҳукмдорлик удумига биноан, унинг фақат баъзи тунларни хотини билан ўтказиши расм-русумга хилоф ҳисобланмас, Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо ҳам шундай қиларди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Темурийзодалар ўзларига ён босган зотларнинг бошидан тилло сочарди-ю, аммо уларнинг ҳукмдорлигига қиттаккина мункир келган кимсани асло кечирмасдилар..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲУКМИКУШ [*а. + ф.* حکمکش — ўлим (ўлдириш) ҳукми] *эск.* Ўлим жазосига ҳукм қилиш; ўлим ҳукми. *Арзимиз шулки, бугун ҳукмикушга буюрган одам жуда ёш бола экан.* «Равшан».

ҲУКМНОМА [ҳукм + нома] Суднинг ҳукми ёзилган қоғоз; суд ҳукми. *Ниёз қушбеги менга йигит қўшиб, бу ҳукмномани ижро қилишда бекка ёрдам бермак учун жўнатди!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲУКМРОН [*а. + ф.* حکمران — ҳукмдор, ҳоким; бошқарувчи] **1** Ўз ҳукмини ўтказадиган шахс; ҳукмдор, ҳоким. [*Худоёр*] *Астойдил Мусулмонқулнинг оталиғидан қутулишни ва мустақил равишда ҳукмрон бўлишни орзу этган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахсининг ҳукмрони Умаршайх мирзо бу кеча ҳарамда ўн саккиз ёшли Қоракўз бегимнинг хобгоҳида ухлаб ётибди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Ҳукмини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган; ҳукмдор. *Миллий тилнинг сақланиши ва ривожланиши ҳамма вақт ижтимоий тузумнинг, ҳукмрон синфнинг одиллигига боғлиқ.* «Фан ва турмуш».

3 *кўчма* Ҳукм сурган, забт этган, эгаллаган ҳолатли. *Мана энди дафъатан фикрсиз, ўйсиз қолди, юраги бўм-бўш, бунда фақат ғашлик ва оғриқ ҳукмрон.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Тонг ёришди, юлдузлар учди, Яна офтоб кўкда ҳукмрон.* Р. Бобожон.

ҲУКМРОНЛИК 1 Ҳукмрон бўлиш, ҳукм юритиш. *Хонларнинг ҳукмронлик даври.* ▬ *Ўрта Осиёда икки асрлик араблар ҳукмронлиги даври бир қатор туркий тилларда, шу қатори, ўзбек тилида белгили из қолдирди.* «ЎТА».

Ҳукмронлик қилмоқ Ҳукмрон ҳолатда бўлмоқ; ҳукм сурмоқ; ҳукм юритмоқ. *Ривоят қилишларича, Деҳлида, шоҳ Акбар ҳукмронлик қилган замонда, бир савдогар яшар экан.* Газетадан. *Бу мамлакатда Нодиршоҳ деган ҳукмронлик қилар экан.* «Олтин бешик».

2 Ҳукмини ўтказиш ҳуқуқига эгалик; ҳукмини ўтказиш. *Муғуллар ҳукмронлиги.* ▬ *Бу [1555 йил 27 майдаги] ғалаба Шимолий Ҳиндистонда иккинчи марта бобурийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилишини таъминлаган.* «ЎзМЭ».

Ҳукмронлик қилмоқ Ҳукмрон ҳолатда бўлмоқ, ҳукмини ўтказмоқ. *Чоризм ҳукмронлик қилган даврда меҳнаткаш инсон қадри тупроқ билан тенг эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 *кўчма* Ҳукм сурган, эгаллаган ҳолат. *Бечора ошиқ-маъшуқлар қочишмоқчи! Ҳали бу ерда ўз ҳукмронлигини зимдан давом эттираётган жаҳолатдан қочишмоқчи..* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ҳукмронлик қилмоқ Ҳукмрон ҳолатда бўлмоқ, ҳукм сурмоқ. *1916 йил охири, ўлка хароб, очарчилик ҳукмронлик қилмоқда.* Газетадан.

ҲУКМФАРМО [*а. + ф.* حکمفرما — ҳукмронлик, ҳокимлик қилувчи; ҳукм қилувчи] *эск. кт. айн.* **ҳукмдор**.

ҲУКУМАТ [*а.* حکومت — бошқариш, бошқарув; ҳукумат, бошқарув маҳкамаси] **1** Давлат ҳокимиятининг давлат бошқарувини бевосита амалга оширувчи, фармойиш берувчи ва ижро этувчи олий органи. *1954 йил январида қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳақида ҳукуматнинг қарори эълон қилинди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Мамлакат қонун-*

қоидасига мувофиқ сайланиб, барпо этилган Туркистон мусулмонлари ҳукуматига ҳурмат шуми? К. Яшин, Ҳамза. *Солиқни одатда қонуний ҳукумат солади. Фуқаро тўлайди..* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳукуматнинг қарори бор.. фронтовикларнинг оиласига зудлик билан ёрдам берилсин, деган.* Уйғун, Танланган асарлар.

2 *с. т.* Давлат. *Ер одамга қараб экиладиган бўлса, Ҳукумат тракторни, машина ўроқни нимага чиқариб қўйипти?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Уруш пайтларида Люблин Польша ҳукуматининг пойтахти эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ҲУКУМАТДОР [*а.* + *ф.* حکومتدار — ҳукумат эгаси; ҳоким, ҳукмдор] *эск.* Ҳукумат марказий органларидан бирининг бошлиғи, юқори мансабли амалдор. *Абдураҳмон.. айниқса, орада хонга тегишли ҳукуматдор беклардан кўриниб қолса, жаннат ва жаҳаннам устидаги масалани дарҳол хонга итоат, бекларга ҳурмат билан айрибошлаб олар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲУЛКАР 1 *айн.* **сурайё 1**. *Ҳулкарга боқиб, Қоратойникига боришга ҳали вақт эрта эканини билди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шимол томондан кўтарилган Ҳулкар кўзни қамаштириб, порлаб турарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Ҳулкар (хотин-қизлар исми).

ҲУЛЛА [*а.* حلّه — сарпо, либос, кийим-бош] Нозик ва нафис мато, шундай матодан тикилган кийим. *Ҳуллага ўралган кекса ўрмонлар, Нечун инграшади, қандай мунги бор?* Миртемир. *Олисдан мен кўрдим, манглайинг ёзиқ, Кийганинг ҳулладир, белларинг нозик.* «Оқ олма, қизил олма».

ҲУМО [*ф.* هما(ی) — эзгулик рамзи бўлган афсонавий қуш номи] Кимнинг бошига қўнса ёки сояси тушса, у киши энг бахтли бўлади, давлат ва салтанатга эришади, деб эътиқод қилинган афсонавий қуш; бахт қуши, «давлат қуши». *Ҳумо қуши қўнган бошингда, Учиб юрди фалокат қушлар. Жиҳоз тўла санъат уйидан Ўғирланди олтин, кумушлар.* Т. Тўла. *Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий ёдгорликларда, амалий безак санъати буюмларида ҳумо тасвири қадимдан кўп учрайди.* «ЎзМЭ».

ҲУМОЮН [*ф.* همایون — қутлуғ, муборак; бахту омадли; равнақли; худо сийлаган] *эск. кт.* **1** «Буюк подшоларга хос», «олий даражадаги», «энг муқаддас» каби маъноларни билдиради. *Фармони ҳумоюн. Зоти ҳумоюн.* ▬ *Мен жаноби олийнинг ҳумоюн ҳузурларига бориб, ишорат билан бу масалани арз қиламан.* С. Айний, Эсдаликлар. *-Қани, омин, амиралмўъмининнинг давлати ҳумоюнлари кам бўлмасин, ғанимлари хокпой бўлсин, — деган овоздан сўнг ҳамма қўлини фотиҳага кўтарди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 *айн.* **ҳумо**. *Жонивор, Қўнғирот элдан келдингми? Ҳумоюндай менга соя солдингли?* «Алпомиш». *Ҳумоюн овлайди шошмас мерганлар.* Ғ. Ғулом.

3 Ҳумоюн (эркаклар исми).

ҲУНАР [*а.* هنر — санъат; билим, кўникма, маҳорат, усталик; касб] **1** Муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот; касб. *Ҳунар, ҳунардан унар.* Мақол. *Йигит кишига етмиш ҳунар оз.* Мақол. ▬ *Онам ҳам ўқитувчи, Бир ҳунари — тўқувчи, Мен-чи аъло ўқувчи..* Қ. Муҳаммадий. *Йигитнинг қўлида гулдай ҳунари бор.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отасининг ҳунарини яхши эгаллаб олган бу йигитча учун қишлоқда иш кўп эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *-Бошқа бир ҳунарга берсак бўлмайдими? — дадамнинг сартарошликка ҳеч кўнгиллари йўқ эди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Бирор ишдаги маҳорат, санъат; моҳирлик, усталик талаб этувчи иш, хатти-ҳаракат *..Ҳунарининг борин унда билдирган, Кунгурасин пўлатдан қип эндирган.* «Муродхон». *Конферансье «иккинчи номерда хоҳлаган киши хоҳлаган ҳунарини кўрсатиши мумкин», деб ҳаммани кулдирди..* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар. *Чекиниш учун ҳам ҳунар керак.. бу ҳам санъат талаб қилади..* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Одат тусидаги иш, ҳаракат. *Аммо эски ҳунарингизни қилиб, отамга чақсангиз, мендан шафқат кутманг!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Уйда қовоғини осилтириб, кўчада бегона аёлни кўрганда илжаядиган, тиржаядиган ҳунарга ўрганди.* «Муштум». *Кесатиқ ҳунаринг эсингдан чиқдими, деб турган эдим. Ҳарнечук ёдингда экан..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 Бўлмағур, келишмаган хатти-ҳаракат, қилиқ, одат. *Абдишукур, овозни бунчалик бошқача қилишни кимдан ўргандинг? Ҳуна-*

рингга балли-е.. Ойбек, Танланган асарлар. *Ғаройиб кучдан «шер» бўлиб кетган болалар тарбиячиларини кўриб хижолат тортиш, изза бўлиш ўрнига ғилайлашган кўзларини сузиб, ўз «ҳунар»ларини давом эттираверишди.* Газетадан.

Ҳунар кўрсатмоқ 1) бирор ишга бўлган маҳоратини намойиш қилмоқ. *Лекин эндиги кўргазмага томоша қилгани эмас, ҳунаримни кўрсатгани бораман. Ғалати пайвандлар қилганман.* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар; 2) бўлмағур, келишмайдиган иш, ҳаракат, қилиқ намойиш қилмоқ. *Меъёрини билганлар ширин ўтириб, ҳордиқ чиқарди, хурмачасига сиғмаганлар ҳунар кўрсатди. Ширин ошга пашша тушди..* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар. **Ҳунар чиқармоқ** Бўлмағур, ёқимсиз иш, ҳаракат, қилиқ қиладиган бўлмоқ; шундай иш, хатти-ҳаракат, қилиқни одат қилмоқ. *Мактабда энди йиғилиш бўлиб қолса, уни бўлар-бўлмасга мақтайдиган ҳунар чиқарди.* «Гулдаста». *Бош-кўзимни айлантириб, қўлга олдингиз, энди ҳунар чиқаряпсизми?* С. Кароматов, Бир томчи қон. **Ҳунар қилмоқ** 1) бирор касб-ҳунарни эгалламоқ. *Бўлмагай инсон азиз, яхши ҳунар қилмаса. Ёки ўқиб, илм ила ўзни гуҳар қилмаса.* Ҳабибий; 2) бирор бўлмағур иш, хатти-ҳаракат, қилиқни касб қилмоқ, одат қилмоқ. *Шеър ёзиб, хону хонзодалар зардасини қайнатмоқни ўзига ҳунар қилиб олган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲУНАРБОЗ [*ф.* هنرباز — ҳунар қилувчи, ҳунар кўрсатувчи] *с. т. кам қўлл.* Турли ҳунарлар қиладиган, кўрсатадиган (*қ.* **ҳунар 2**). *-Йигитча жуда ҳунарбоз экан-ку, — деди кулиб чойхоначи Дадамат.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ҲУНАРЛИ Ҳунари бор, ҳунар эгаси, ҳунар ўрганган. *Ҳунарли эр хор бўлмас.* Мақол. ▬ *Лекин ўзлари тўрт оға-ини эдилар, тўртови ҳам кал эди, бариси ҳам ҳунарли эди.* «Равшан». *Бу орзуга эришмоқ учун астойдил ишлаб, ҳунарли бўлиб олиш керак.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ҲУНАРМАНД [*ф.* هنرمند — санъат арбоби; моҳир, юксак маҳоратли; истеъдодли, қобилиятли] **1** Уйида ёки ўз дўконида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи касб-ҳунар эгаси; косиб. *Давр тақозоси билан ҳунармандчиликнинг янги-янги турлари вужудга келди. Ҳунармандлар ҳам турли маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ихтисослаша бордилар.* «ЎзМЭ. *Расталари турли касбдаги ҳунармандлар — темирчилар, мис чўкичлаб, нақшли баркаш, чойдиш, чилобчин, хилма-хил буюмлар ясовчи мисгарлар.. тақачилар, кулол, баққол ва косиблар билан обод эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Йиғилди турли косиб, турли деҳқон, Ҳунарманду шакарпаз, турли боғбон.* Ҳабибий.

2 Ўз иш-касбининг моҳир устаси. *..бу йигитнинг келишган ва ҳаракатчан қомати одамларнинг кўз олдига келиб туради. -Кўп ҳунарманд йигит экан, азамат! — дейдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Турли хил рангларнинг мутаносиблиги, олтин қўлли ҳунармандлар сеҳрли жозиба бағишлаган шиша буюмларни кўриб, кўзингиз тўймайди.* Газетадан.

ҲУНАРМАНДЛИК Ҳунарманд эканлик. *Арабжоннинг ҳунармандлиги оғиздан оғизга кўчди. Ганчдан ажойиб нусхалар ишланган айвону пештоқларни кўргани маҳалладаги хотинлар кира бошлади.* С. Зуннунова, Излар.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК Ишлаб чиқаришнинг касб-ҳунар эгалари (ҳунармандлар) фаолият юритадиган соҳаси (*қ.* **ҳунарманд)**. *Ҳунармандчилик буюмлари.* ▬ *Ўтган аср ўрталарида Тошкент аҳолисининг кўп қисми ҳунармандчилик, савдо ва деҳқончилик билан шуғулланган.* «Фан ва турмуш». *Карим қорининг асли касби ҳунармандчилик бўлса ҳам, адабиётни тушунадиган, ўзи ҳам шеърлар машқ қиладиган, одамларни гапга солишга уста эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ҲУНАРСИЗ Бирор ҳунарни эгалламаган, ҳунари йўқ. *Донишманд унга: -Ҳунарсиз кишининг қўли боғлиқ, — дебди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Яхши бир меъмор ҳунарсиз асилзоданинг юзтасидан афзал эмасми?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳар ҳунарнинг бир гашти бор, Ҳунарсизнинг не гашти бор?* Қ. Муҳаммадий.

ҲУР I [*а.* حرّ — озод, эркин; мустақил; эрксевар; асил, тоза] Бировнинг измидан холи, эрки ўзида бўлган; озод, эркин. *Ҳур ўлка. Ҳур инсон.* ▬ *Ғоят мамнун бўлдик.. чиндан ҳам ҳур фикрли киши экансиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲУР II [*а.* حور < حوريّت — шаҳло кўз (қизлар)] **1** Ислом анъанаси ва Қуръонга кўра, тақводорлар билан биргаликда жаннатда яшайдиган, жисмоний ва маънавий камчиликлардан холи бўлган ниҳоятда гў-

зал қиз(лар). *Масжидда намозшомдан кейин имом намозхонларни тўплаб, жаннатдаги ҳурларнинг ҳуснини мақтай кетди.* «Латифалар». *Беҳиштдаги ҳурлар каби, Билмам, ёрим қайга кетди.* «Ширин билан Шакар».

2 *кўчма* Жуда чиройли, гўзал, нозанин қиз. *[Маждиддин:] Хазинангизни бойитаман, ҳарамингизни ҳурлар билан тўлдираман, сўнгра, майли, бошимни кесинг, амрингизга мунтазирман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 *кўчма* Шарм-ҳаёли, пок (хотин-қизлар ҳақида). *Мана, икковларинг, худога шукур, қоғозга ўралган қанддай топ-тоза бўлиб етишдинглар. Кўзларинг эркак бетини кўрмади. Сизлар ҳур экансизлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ҲУРИЛИҚО *қ.* **ҳурлиқо**. *Биламан, сен топган қизнинг олдига тушадиган ҳурилиқо бўлмайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Назаримда, йигирма-йигирма беш ёшлар ўртасида кўзингга чўтир ҳам соҳибжамол ҳурилиқо бўлиб кўринади шекилли-да!* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ҲУРКАГИЧ *айн.* **ҳурковуч**. *Кийик боласидай ҳуркагич, зийрак — Ёшлигини қўмсаб, орзиқар юрак.* С. Акбарий.

ҲУРКАК *айн.* **ҳурковуч**. *Хатар устидан чиқиб қолган ҳуркак қуён сингари жонсарак бўлиб қараб, ундан кўзларини узолмайди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Ҳанифанинг ҳуркак кўзларида қувонч лип этиб ёнди-ю, унинг ўрнини яна иккиланиш, ташвиш эгаллади.* С. Анорбоев, Меҳр.

ҲУРКИТМОҚ Ҳуркмоқ фл. орт. н. *У иштаҳа билан ўтлаётган қўйларни ҳуркитмаслик учун аста-аста қадам ташлаб, сурувни айлана бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Сиз.. полиздаги қўриқчидай хотинларни ҳуркитаяпсиз, — деди Жўрахон.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҲУРКМОҚ 1 Чўчиб кетмоқ (асосан ҳайвон ва паррандалар ҳақида). *Узоқда ҳуркиб қочган отни етаклаб келишарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Қўйлар ҳуркиб кетди. Холёр, бўри келдими, деб ташқари чиқди.* «Ойсулув».

2 *кўчма* Қўрқув ҳис этмоқ; чўчимоқ. *Дилбар ҳуркиб, зинғиллаб кўчанинг нариги бетига ўтиб олган эди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. *Аъзам ҳамон бирор сўз айтишдан ҳуркар эди: ахир Нафиса унинг ўлчовига тўғри келмас эди-да!* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ҲУРКОВУЧ 1 Ҳуркиш туйғуси кучли; ҳуркак; чўчийдиган (асосан ҳайвон ва паррандалар ҳақида). *Болалар яшикни ўрашиб тикилишаркан, ҳурковуч кўк қуён ғалвир сеткадан олхўридай йилтироқ кўзларини милтиратиб турарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Чўчиб, қўрқиб тинчсизланаверадиган (шахс ҳақида). *Унинг бундай тортинчоқлиги кўпларни ҳайрон қолдирса, баъзиларни «ўз уясида қанот чиқармаган шунақа ҳурковуч бўлади!» деган фикрга келтирарди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Баъзи ҳурковучларнинг сўзи билан айтганда, машина пахтани нобуд қилади..* Газетадан.

ҲУРКОНҒИЧ *шв.* Ҳурковуч. *Тоғ кийигидек ҳурконғич бу қизни бир-икки кўрганда ҳам.. орқасидан қараб қолган эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ҲУРЛИК Ҳур, эркин ҳолат; шундай ҳолатга эгалик. *Тинчлигим — ҳурлигим.* «Қанотли сўзлар». *Қулликни сезмаган ҳурлик қадрига ета олурму?!* Ҳамза. *Суқ билан қараса, ҳеч ажаб эмас, Чунки сен ҳурликнинг ёрқин тимсоли.* Зулфия. *На зулмат, на бўрон, на офат, на ўт Тўсолмас ҳақиқат, ҳурлик йўлини.* Уйғун.

ҲУРЛИҚО [*а.* حورلقاء — ҳур кўринишли, ҳурчеҳра, ҳур юзли] Ҳур каби гўзал; ҳур (гўзал) юзли. *Майнагинамнинг қайси ҳурлиқодан камлиги бор. Болагинамни кийим ғариб қилиб турибди, холос.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *..унинг бор умиди, фикри-ёди шу ҳурлиқо севгилиси билан чамбарчас боғланган.* У. Исмоилов, Сайланма.

ҲУРМАТ [*а.* حرمت — ман қилинган нарса, муқаддас нарса; муқаддаслик, дахлсизлик; иззат, эҳтиром; сийлов] **1** Кимса ёки нарсага бўлган қадрлаш, улуғлаш туйғуси; шундай туйғули муносабат. *Ота-онага ҳурмат. Кексаларга ҳурмат. Устозларга ҳурмат. Ўз касбига ҳурмат.* ▬ *Бу оилада ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам, обрў-эътибор.. мужассамлашган.* Газетадан. *Ҳурмат инсонга меҳнат орқали, камтарлик, ҳалоллик орқали келади.* «Ёшлик». *Меҳнатга ҳурмат ахлоқнинг энг юксак дастурларидан бири-дир..* Ойбек, Нур қидириб.

2 Қозонилган, орттирилган ҳурмат; обрў, эътибор. *Элда ҳурмати зўр.* ▬ *Мен ўз*

меҳнатим билан жамоада танилдим, ҳурмат қозондим. Газетадан. *Эшитишимча, Ахсида ҳазрати олийни, ҳурматларига яраша маъвирака ўтказиб, қабрга қўйишганлар..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Оҳ, она тупроғим, ўсган жойларим, Кўнглимда сақланар ҳурматинг, қадринг.* Миртемир.

Ҳурмат қилмоқ 1) ҳурмат билан муносабатда бўлмоқ. *Камтарлик — инсон ўзлигини билишни, ўзгаларни ҳурмат қилишни, одамийликнинг: самимийлик, меҳрибонлик.. ростгўйлик каби нодир фазилатларини ўзида мужассам этади.* Газетадан. *Меҳнатни ҳурмат қилиш.. самарали ва сифатли ишлашга интилиш ҳар бир йигит ва қизнинг бурчи ва вазифасидир.* Газетадан; 2) *айн.* **ҳурматини қилмоқ** *Бошқаси бўлса, қамчин билан солар эдим, лекин соқолинг оқини ҳурмат қилдим..* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳурматини қилмоқ** Ҳурмат(и) юзасидан иш тутмоқ. *Отангнинг ҳурматини қилиб, сени зовутимдан ҳайдамадим..* К. Яшин, Ҳамза.

3 Ҳурмат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

Ҳурмат тахтаси Ишлаб чиқариш илғорларининг номлари ва суратлари намойиш қилинадиган махсус тахта. *Гаражимиздаги «Ҳурмат тахтаси»га менинг ҳам суратимни қўйишмоқчи экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲУРМАТАН [*а.* حرمتاً — ҳурмат юзасидан] *кам қўлл.* Ҳурмат юзасидан; ҳурматлаб.

ҲУРМАТЛАМОҚ *айн.* **ҳурмат қилмоқ** *қ.* **ҳурмат**. *Созандаларни, устозларингизни қадрланг, ҳурматланг.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Салом бувиш яна кулди, ўзидан катталиги учун уни ҳурматлаб индамади.* Ҳ. Шамс, Душман.

ҲУРМАТЛАШ Ҳурматламоқ фл. ҳар. н. *-Сен билан бизни дунёга келтирган аёлларни ҳурматлаш ўрнига, пулга, қалинга сотиш нима деган сўз? Ваҳшийлик. Бошқа ҳеч нарса эмас! — деди Элмурод зарда билан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲУРМАТЛИ Ҳурматга лойиқ, ҳурмат-эътибор қозонган; иззат-обрўга эга. *Бектемир генералларни урушнинг бутун ҳикматларини биладиган бағоят ҳурматли, азиз одамлар деб биларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Асқар ота бу ҳурматли жувон бошқа хотинлардан рафтори билан ажралиб турар, деган бир ўйда эди, бироқ Собирахон ёру дўстлари орасида шуларнинг бири бўлиб қолганини кўриб, ажабланди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Мурожаатда ҳурмат, такаллуфни ифодалайди. *У костюмининг чўнтагидан букловлик қоғоз олиб, яна Ёдгорга қараб қўйди: «Ҳурматли институт раҳбарлари, домлалар..».* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Асрорқул хатни товуш чиқариб ўқиди: -Ҳурматли Асрорқул ота!.. Эртага кечқурун меҳмонлар билан бирликда хизматингизда бўламиз..* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ҲУРМАТСИЗ 1 Ҳурмат-эътибор қозона олмаган, эл ичида обрўйи, эътибори йўқ. *Ҳурматсиз одам.*

2 Бирор кимса ёки нарсани ҳурмат қилмайдиган, қадрига етмайдиган, қадрламайдиган. *Ўзига бино қўйган, ўз манфаатини кўзлаб, кишилар меҳнатига ҳурматсиз бўлган одам ҳақиқий раҳбар бўла олмайди.* Ж. Абдуллахонова, Тўфон.

ҲУРМАТСИЗЛАНМОҚ Ўз ҳурматини, обрў-эътиборини ёки ўз қадрини йўқотмоқ; обрўсизланмоқ. *Саъдий айтибдирки, «бир мамлакатда хароб бўлсанг, ҳурматсизлансанг, сафарни ихтиёр қил», деб.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ҲУРМАТСИЗЛИК 1 Ҳурмат-эътиборсиз қараш, шундай муносабатда бўлиш. *Бу эҳтиётсизлик Мирвали акага бир ҳурматсизлик ёки ҳақорат юзасидан эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Маҳкам уларнинг учовини ҳам ўзидан юқори қўяр ва ҳурмат қиларди, айни вақтда, ҳозир юз берган ҳурматсизликни кўнглига сиғдирмасди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ҳурмат, эътибор ёки обрў қозонмаганлик ёки ўз қадр-қимматини, обрў-эътиборини йўқотиб қўйганлик; обрўсизлик.

ҲУРМАТТАЛАБ [*а.* حرمتطلب] Ўзини иззат ва ҳурмат этишни истовчи. *Ёзувчилар ҳурматталаб халқ, аммо кўплари буни энг сўнгги даражадаги эҳтиёж ҳисоблайдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲУРМОҚ «Вов-вов», «ак-ак» каби товуш чиқармоқ; вовилламоқ, акилламоқ. *Ит ҳурар — карвон ўтар.* Мақол. ▬ *Қоронғи, узоқ-яқинда итлар ҳурар эди.* А. Қаҳҳор, Анор. *У ер-бу ерда хўрозлар чақиргани, яккадукка итлар ҳургани эшитиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲУРПАЙМОҚ 1 Тиккайган, тўзғиган ҳолат олмоқ (соч, жун, пат кабилар ҳақи-

да). *Аравага, ундан бошқа, ярим яланғоч, сочлари ҳурпайган бир йигит ҳам ўтирди.* Ойбек, Нур қидириб. *Бўғот лабида бир-бирига қараб ҳурпайиб турган икки мушукнинг бири пишиллаб, кейин чақалоқнинг йиғисидек миёвлаб юборди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *..қиз қараса, икки мусича ҳурпайиб олиб, бир-бири билан уришяпти.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

2 *кўчма* Авзойи бузуқ, ёқимсиз қиёфага кирмоқ. *-Оғир ҳақорат билан тепамга ҳурпайиб келган Қоплонбеков, кучли қўллари билан юзимга бир туширди, — деди Пўлат.* Ғайратий, Менинг ёшлигим. *Аммо Зайнаб.. ҳурпайиб, ҳеч ким билан сўзлашмай қўяр эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лобар, жангга ҳозирланган хўроздай ҳурпайиб, панжаларини кенг ёйиб, Гулнознинг устига бостириб келди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Қишлоқлар ҳурпайган, сукунатга чўмган.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Ҳурпайган булут осилиб тураверди-ю, ёмғир ёғмади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ҲУРПАЙТИРМОҚ **Ҳурпаймоқ** фл. орт. н. *Ана, қўрққанидан кўзлари олайиб кетган кўк серка жар ёқасига етиб бориб, қирқилган жунларини ҳурпайтириб, селкиллатиб, таққа тўхтади.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲУРПАК *кам қўлл.* Ҳурпайган ҳолатли. *Қизлар ҳурпак сочларин силаб, Чолнинг атрофини аста қуршашди.* Ойбек.

ҲУРРИЯТ [*а.* حرّيّت — озодлик, эркинлик, ҳурлик] **1** Сиёсий, иқтисодий ва б. зулм, тазйиқдан халослик; эркинлик, озодлик. *1917 йил февраль инқилоби туфайли эълон қилинган ҳуррият ишчи-деҳқон тилагини том маънода рўёбга чиқазмаганди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу муқаддас қасам — минг-минглаб муҳтарам оналар олдида, эркимиз, ҳурриятимиз олдида ичилган қасам.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Бир ойдан бери зиндонларда ғалати гаплар эшитила бошлади: Ҳуррият бўлармиш!* С. Айний, Дохунда.

2 Ҳуррият (хотин-қизлар исми).

ҲУРРИЯТПАРВАР [*а.+ ф.* حرّيّتپرور — ҳуррият тарафдори ҳурриятни ёқловчи] Ҳурриятни, озодликни севувчи, ҳуррият тарафдори.

ҲУРРИЯТЧИ Ҳуррият учун, озодлик, эркинлик учун курашувчи. *Норозилик ғалаёнлари тобора кўпаймоқда. Ҳурриятчилар Когонга етишди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ҲУСАЙНИ [*ф.* < *а.* حسينى — Ҳазрати Алининг иккинчи ўғли Ҳусайн номидан] Узумнинг ҳасайнидан кўра нозикроқ, чўзинчоқроқ ўртапишар хўраки бир тури; шундай ҳосил берувчи ток. *Дилдор дала шийпонида бир бош ҳусайни узумни олдига қўйиб, эринибгина ғужумлаб еб ўтирарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Токнинг тоифи, нимранг, ҳусайни, қирмиска.. каби навларини ўстириш мақсадга мувофиқ.* Газетадан.

ҲУСН [*а.* حسن — кўрк, чирой; гўзаллик, латофат; яхши сифат, хислат] **1** Ёқимли, ўзига тортувчи тус, кўриниш; чирой, кўрк (инсон юз тузилиши, ифодаси, ранги ва ш.к. га нисбатан). *Ҳусн тўйда керак, ақл кунда керак.* ▬ *Гулшанбону Худоёр хонлигининг иккинчи даврида ўз ҳусни билан бир неча мартаба хоннинг илтифотига сазовор бўлган ҳарам канизларидан эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Содиқжон одобли, ақлли, қомату ҳуснда ҳам кўзи тушган қизларни қоқилтирадиган йигит эди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ташвиш қиз боланинг ҳуснини оларкан, шўхлигини ҳам, овозидаги латофатини ҳам қуваркан.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Ёқимли кўриниш; чирой. *Биз, этагимиздаги ямоқ кўрпадай, қишлоғимиз ҳуснини бузиб турган чўл парчасига сўнгги марта ҳужум қиламиз.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Кечаги чангбосди ёмғир табиатга ҳусн бериб кетганидек, одамларнинг ҳам баҳридилини очиб юборади.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 *кўчма* Чирой бўлувчи нарса, чирой тимсоли; чирой. *Фарғона — Ўзбекистоннинг ҳусни, холи.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Яхши йигитлар — армиянинг ҳусни!* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Каналнинг икки ёқаси бўйлаб қурилган икки қаватли бинолар шу қадар кўркамки.. металлурглар шаҳарчасига ҳусн бўлиб тушган эди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

Ҳусни ахлоқ *эск. кт.* Яхши хулқ, гўзаллик ва бу ҳақдаги таълимот. *Имом, мактаб домласи ва бир мударрис ҳам, бу муносабат билан, болаларга ҳусни ахлоқни таълим [бериш] хусусида бир оз даҳанаки жанг қилишди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳусни мутлақ** *эск. кт.* Яратувчи, худо. *Уч кунлик ҳаётнинг неъматларидан қўл қоқиб, ҳусни*

мутлақнинг муҳаббати билан яшамоқ қадар улуғ.. бахт борми?.. Табиатнинг ўзи ҳусни мутлақнинг бепоён жилвалар кўрсатган улуғ кўзгусидир. Ойбек, Навоий. **Ҳусни қабул** *эск. кт.* Иззат-икром билан, яхши кутиб олиш. *Биз бориб, онҳазратга жанобингизнинг дуонгизни эшиттирамиз; ҳусни қабулингизни, ижобатингизни уқтирамиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ҲУСНБУЗАР 1 Ёғ безлари функциясининг бузилиши туфайли терига турли хил тошмалар тошиши (кўпинча балоғатга етиш даврида йигит-қизларнинг юз, кўкрак, энса терисида пайдо бўлади). *..лейтенант борку.. анави-чи, юзларига ҳуснбузар тошиб кетган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Умид кун ора эрта билан соқол қиришга тутинарди. Баъзан кўпик остидаги ҳуснбузарларини кесиб, қонатиб юборарди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Манзарани хунуклаштирадиган, қиёфани ёмонлаштирадиган хунук нарса. *Гўзал биноларнинг айримлари деворларига ёпиштирилган ҳуснбузар эълонларга кўзингиз тушса, таъбингиз хира бўлади.* Газетадан.

ҲУСНДОР [*а.* + *ф.* حسندار — ҳуснли, гўзал, чиройли] *айн.* **ҳуснли**. *Ҳусндор йигит.* ▬ *Уйдан Ўрмонжоннинг хотини — тўлагина, хийла ҳусндор жувон чиқиб, Сидиқжон билан кўришди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ҲУСНИХАТ [*а.* حسنخط — чиройли ёзув, каллиграфия] **1** Қоидага мувофиқ чиройли қилиб ёзиш; каллиграфия. *..институт ҳузуридаги бошланғич таълим кабинетида ўқувчиларга ҳуснихат ўргатиш бўйича бир ойлик семинар ўтказилди.* Газетадан.

2 Чиройли ёзув, чиройли ёзилган хат. *[Пўлат] Конверт устидаги адресга, таниш ва қадрли ҳуснихатга тикилганча, хаёлга чўмди.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин. *Нафис гулли лаганларнинг ўртасига ҳуснихат билан байтлар битилган.* С. Анорбоев, Оқсой.

ҲУСНИЯ [*а.* حسنيّه — энг яхши, энг гўзал нарса; эзгу иш(лар)] **1**: **ахлоқи ҳусния** *айн.* **ҳусни ахлоқ** *қ.* **ҳусн**. *Ахлоқи ҳуснияни айниқса ёш авлодларимизга ўргатмоқ бизга фарз ҳам вожиб.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Ҳусния (хотин-қизлар исми).

ҲУСНЛИ Яхши ҳуснга эга. *Бош яланг, яланг оёқ, кўйлаги йиртиқ хотиннинг юзига изтироб шундай чанг солган эдики, йигитлар уни Мишанинг онаси, кечаги кўркам, ҳуснли аёл эканини базўр фарқ қилдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ҲУСНСИЗ Ҳусни, чиройи йўқ; хунук.

ҲУТ [*а.* حوت — катта, наҳанг балиқ; кит] **1** (Ҳ — *катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Далв ва Ҳамал буржлари ўртасида жойлашган (*қ.* **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи (22 февраль — 21 март даврига тўғри келади). *Ҳут ойи. Ҳут чиқиб, ҳамал кирди.*

ҲУТ-ЮТ *с. т.* Қиш охири, қишки озиқ-овқат захираси тугаган, ерда ҳайвонлар учун ўт-хашак топилмайдиган бир давр. *-Қишдан қиттай бор. Ҳут-ют, сариқ сумалак, аямажиз.. қаторлашиб турибди, — кулумсиради Раъно.* Ойбек, Улуғ йўл.

ҲУШ [*ф.* هوش — онг, шуур; ақл, идрок; эс, фаҳм; хотира; эсда тутиш қобилияти] Кишининг бирор нарса-ҳодисани сезиш, идрок этиш, англаш қобилияти, шундай сезги, идрокка эга ҳолат. *Кумуш.. сесканиб ўзига келди. Ҳушдан ажралаёзган бечоралар [қутидор, Офтоб ойим] бу ҳолдан бир оз жонлангандек бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг гапи Сидиқжоннинг қулоғига кирмас эди. Сидиқжон то ҳушини ўнглагунча, Болтабой бостирмага кириб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ҳуши (бошидан) учмоқ 1) ҳушини, ўзини йўқотмоқ. *«Дараксиз» деган сўзни эшитди-ю, онанинг ҳуши бошидан учди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ўлимни биринчи марта кўрганим учунми, ҳушим учиб, қотиб қолдим.* О. Ёқубов, Излайман; 2) ҳангу манг, ҳайрон ҳолатга тушмоқ. *Бирдан босди орқадан Тўполон, милтиқ товуши. Шу чоқ йўловчиларнинг Учди бошидан ҳуши.* Ғайратий. *Ловуллаётган юзини кафти билан силаганча юриб кетди, ҳуши учганча, автобусга ўтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ҳуши кетмоқ** Бирор нарсага маҳлиё бўлмоқ; етишишни орзу қилмоқ. «*Бола-да, мурти сабза уриб қолган бўлса ҳамки, болалигини қўймайди: беҳига ҳуши кетди», деб ўйлади қорабайирдаги кекса киши.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ҳушига келмоқ** Эс-ҳуши, идроки ўз ҳолига келмоқ. *Ҳамма унинг бўзарган юзига тикилиб, ҳушига келишини сабрсизлик билан кутмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ота ҳушига келиб, кўзини очди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. **Ҳушидан кетмоқ** Эс-ҳу-

шини йўқотмоқ; ўзидан кетмоқ. *Топди, жигарбандини топди, Хосият хола муздек мармар тошни қучоқлаб, ҳушидан кетди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Яраланган Абдуллаев қимир этмай ҳушидан кетди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Ҳушини йиғмоқ** Эс-ҳушини меъёрий ҳолга келтирмоқ. *Искандаров бир сесканиб, яна ҳушини йиғиб олди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи. *Ҳовли ўртасида қаққайиб турган Меъмор ниҳоят ҳушини йиғиб олди..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ҳушини олмоқ** Эс-ҳушидан айирмоқ; эс-ҳушини ўзига тортмоқ, маҳлиё қилмоқ. *Бахт Ғуломжоннинг ҳушини олиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қоронғи кечада вавағ ва битбилдиқлари билан киши ҳушини олгувчи беданалар..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ҲУШЁР [*ф.* هوشيار – ақлли, идрокли, фаросатли, эс-ҳушли; зеҳни ўткир, зийрак; сергак, сезгир; маст эмас] **1** Шароит, ҳолатни, нарса-ҳодисанинг моҳиятини тез англаш қобилиятига эга; шундай қобилият, идрок билан иш тутадиган; зийрак. *Ҳакимбойваччадек ҳушёр йигит қайда?.. Бойларимизнинг бари ҳушёр. Ақли бўлгани учун бой бўлган-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *У сув тўлдириб қўйилган қумғон тагига олов ёқди. Ҳушёр шогирдлари ҳатто тутантириқ ҳам тайёрлаб қўйишган экан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Теварак-атрофга, ён-веридаги ҳодисаларга сезгирлик билан кўз-қулоқ бўлиб турувчи; сергак. *Чегарада ҳушёр туради посбон, Бегона бирор хас учиб ўтолмас.* Р. Бобожон. *Ҳушёр туриб, адашмай, Ҳар шарпани сезаман.* Уйғун.

3 Эс-ҳуши жойида, ҳушини йўқотмаган (асосан, ичкилик, кайф таъсирида эмаслигини билдиради). *Алимардон қанча май ичганининг.. ҳисобига етмади.. Ҳушёр пайтларида у ўзининг аҳволини ўйлаб кўрар, назарида, даҳшатли туш кўраётганга ўхшаб кетар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Абдишукурнинг кайфи баланд бўлса-да, ҳуши ҳали ўзида, мумкин қадар ўзини ҳушёр тутишга тиришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ҳушёр тортмоқ Эс-ҳушини йиғиб олмоқ, эс-ҳуши жойига келмоқ; сергакланмоқ (**ҳушёр** – ҳар учала маъносида). *Муҳаммадиев ҳушёр тортди-да, тавба-тазарруга ўтди.* И. Раҳим, Қадриабад одамлар. *Шиpакайф ўтирган йигит милиция ходимини кўриб, ҳушёр тортди.* Газетадан. *Тўнғич ботир ҳушёр тортиб, яроғларини тайёр қилибди.* «Чалпак ёққан кун».

ҲУШЁРЛАНМОҚ *кам қўлл.* Эс-ҳушини йиғмоқ, ҳушёр тортмоқ, ҳушига келмоқ.

ҲУШЁРЛИК Ҳушёр ҳолат, ҳушёр (сезгир, сергак) бўлиш. *Бизни ҳамма вақт ҳушёрликка даъват этиб турувчи бир нарса бор.* Газетадан. *Улуғ ишларни бажармоқ учун куч-қувват, соғломлик, бардамлик ва ҳушёрлик зарур бўлади.* Газетадан.

ҲУШЁРХОНА [ҳушёр + хона] Маст кишиларни ҳушига келтириш учун милиция назорати остида ташкил қилинган санитария-тиббиёт муассасаси. *Ҳушёрхона заб жой экан, Совуқ сувга солди мени.* «Муштум». *Дадабойнинг тунар ери ҳушёрхона, Хижолатдан ерга боқар ота-она!* «Муштум».

ҲУШЛИ Ҳуши бор, ҳуши жойида; идрок этиш қобилияти яхши. *Лекин барака топкур хўп ақлли, ҳушли қиз бўптими?!* Уйғун, Сайланма. *Ўзиям нақ кўрсангиз, ақлли, ҳушли, топиш-тутишли.* Ойдин, Ҳикоялар.

ҲУШСИЗ 1 Ҳушидан кетган, ҳушини йўқотган; беҳуш. *Эртасига Раҳматиллани қўли синган, боши ёрилган ва ҳушсиз ҳолатда мактаб ёнидаги бир чуқурликдан топиб, касалхонага жўнатишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тун бўйи ҳушсиз ётди. Тонгга яқин аранг кўзини очди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Эс-ҳуши жойида эмас, хаёли паришон; беҳуш, паришонхотир. *Анвар меҳмонхонага кириб келувчи Султоналидан ҳам ибо қилмай, гўё ҳушсиз каби, бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Муҳаммад Жамол маҳбубасидан айрилиб, телбалардай эссиз, ҳушсиз қолди.* Ойбек, Нур қидириб.

ҲУШСИЗЛАНМОҚ 1 Ҳушдан кетмоқ, ўзини билмай қолмоқ. *Бир вақт ҳушимга келдим: оғзим бўғиқ, қалин нарсага ўралганман. Извошда кетаётганимни пайқадим. Яна ҳушсизландим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Гангиб қолмоқ, эсанкирамоқ; паришон бўлмоқ. *[Отабек] Беш дақиқалаб йўл устида эсанкираган, ҳушсизланган кўйи қотиб тургач.. бирдан юриб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲУШСИЗЛАРЧА *рвш.* Ҳушсиз ҳолда, ҳушсиз кишилар каби. *Эрта биландан бошланган бу ҳолат Ҳасаналининг кейинги сўзи билан тамом бир даҳшат касб этди ва [Отабек] ҳушсизларча ўтириб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲУШСИЗЛИК 1 Ҳушсиз ҳолат; беҳушлик. *Бозор ҳали унинг юзини кўролгани йўқ, қоронғи. Шунинг ҳаммаси тунми ёки ҳушсизликмикан?* А. Мухтор, Чинор.

2 *тиб.* Миянинг қон билан таъминланиши бузилиши натижасида қисқа муддат рўй берадиган ҳолат; ҳушдан кетиш.

ҲУШТ *унд. с.* **1** Майда жониворларни ва қушларни ҳайдашни билдиради; кишт, ҳуйт, ҳайт. *Кампир ҳушт деб, чумчуқларни ҳайдади.* ▬ *Ман хўжайинларнинг бўйинтуруғига калламни тиқай, ишлай, улар обдан мойимни шилсин, кейин мани «ҳушт!» деб ҳайдасин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Йўқ қилиш, қўлга олиш кабилар ҳақида сигнални билдиради; фишт. *Эсинг жойидами ўзи? Ҳушт, деса, қаматиб юборади-я, жинни!* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ҲУШТАК 1 Ҳавони пуфлаб чиқариш йўли билан чалинадиган асбоб, мослама. *Сопол ҳуштак. Милиционер ҳуштаги.* ▬ *Йўлчи уни [болани] овутиш учун, толдан бир новда кесиб олиб, кичкина ҳуштак ясади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ана шундай асбоб, мослама ёрдамида ёки лаб ва тишлар орасидан ҳаво чиқариб ҳосил қилинган товуш. *Кўча қоровули ҳуштагини эшитиб тўхтади.* ▬ *Одамлар норозилик билан қарсак чалишар, залнинг чекка-чеккаларидан ҳуштак овозлари эшитилиб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Турсунбой икки бармоғини оғзига тиқиб, ҳуштак чалди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Бирор таъсир, табиий ҳодиса туфайли ҳосил бўладиган, ҳуштакка ўхшаш товуш. *Тўсатдан девордаги радиокарнай ҳуштак чалиб, кейин хириллай бошлади.* «Муштум». *Қалдирғочнинг ташландиқ уясидан.. ингичка ҳуштак овози чиқарди: изғирин беркиниб олиб, шўхлик қилаётганга ўхшайди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Кучли шамол дарахт шохларини бир-бирига қасир-қусур уриб, ҳуштак чалди.* Й. Муқимов, Матонатли кишилар.

ҲУШТАКБОЗ Ҳуштак чалишни яхши кўрадиган, доим ҳуштак чалиб юрадиган.

ҲУҚНА [*а.* حقنه – укол билан дори юбориш, қуйиш; шундай йўл билан юборилган дори; клизма] *тиб.* Даво мақсадида тўғри ичакка орқа чиқарув тешиги орқали махсус асбоб ёрдамида суюқлик (кўпинча сув) юбориш; клизма. *Врачлар ошқозонни ювишди. Болада ўзгариш сезилмайди. -Клизма қилинглар.. -Ҳа, тезда ҳуқна қилинсин, – деб тасдиқлади врач Фаттоев.* Газетадан.

ҲУҚУҚ [*а.* حقوق – «ҳақ(қ)» с. нинг кўпл.] **1** *ҳуқ.* Давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва қўриқланадиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини ва б. ни тартибга соладиган қонун-қоидалар, меъёрлар мажмун. *Фуқаролик ҳуқуқи.* ▬ *Тинчлик, озодлик, аёллар ҳуқуқи, маърифат ҳақида сўзлайди, тушунтиради, тинчлик учун имзо тўплайди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳуқуқ бузилишига қарши малакали кураш олиб бориш милициянинг хизмат бурчидир.* Газетадан.

2 Кимсага бирор иш-ҳаракат қилиш учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа хил қонун-қарорлар билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёр. *Сайлов ҳуқуқи. Пенсия олиш ҳуқуқи. Дам олиш ҳуқуқи. Меҳнат қилиш ҳуқуқи.* ▬ *Инсон ҳуқуқи нима? Озод яшаш, кўнгилга ёққан уқув, қобилият, қолаверса, талант тақозо этган ишни бажариб яшашми?* «Ўзбекистон қўриқлари». *Мен раислик ҳуқуқим билан янги ер очишни ҳам, посёлка қурилишини ҳам тўхтатиб, барча одамларни ғўза парваришига ташлайман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бу кишини ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳаддим сиғмайди.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

3 *с. т. айн.* **ҳуқуқшунослик**. *..кашандаликни тугатиш дастурини ишлаб чиқиб, унда тиббиёт, ҳуқуқ, ташкилотчилик ва тарбиявий тадбирларнинг кенг комплекси кўзда тутилсин.* Газетадан.

4 *кўчма кам қўлл.* Бирор нарсага хос мақом, ўрин. *Шунинг учун ҳам ўз даврида пуристик ҳаракатнинг қурбони бўлган бу* ***муаллим*** *ва* ***муаллима*** *сўзларини ўз ҳуқуқларида қайтадан тиклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.* «ЎТА».

ҲУҚУҚБУЗАР Мавжуд қонун-қоидалар, ҳуқуқий меъёрларга амал қилмайдиган, уларни бузувчи; жиноятчи. *Суднинг ҳукмига асосан, ҳуқуқбузар тегишли жазосини олди.* Газетадан.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК Мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмаслик, уларни бузиш; шу йўлдаги хатти-ҳаракат; шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш; жиноят. ▬ *Мактабларда ёшлар ўртасида майда безорилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар уюштираман.* Газетадан. *Шунингдек, ноқонуний нақд пул айланмалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.* Газетадан.

ҲУҚУҚИЙ [*а.* حقوقى – ҳуқуққа, одиллик ва адолатга оид; ҳуқуққа асосланган] *юр.* Ҳуқуққа, ҳуқуқшуносликка оид, ҳуқуқ юзасидан бўладиган. *Ҳуқуқий муносабатлар. Ҳуқуқий тартиб. Ҳуқуқий билимлар.* ▬ *Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳаёт ҳодисалари, ижтимоий воқеликлар каби турли-тумандир.* «ЎзМЭ».

ҲУҚУҚЛИ Ҳуқуққа эга. *Тенг ҳуқуқли. Тўла ҳуқуқли.*

ҲУҚУҚСИЗ Ҳуқуқи йўқ, ҳуқуққа эга эмас. *Муртазиннинг озодлик ҳақида гапирган гапларидан сўнг эрксиз, ҳуқуқсиз одамлар қайта тирилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ҲУҚУҚСИЗЛИК Ҳуқуқсиз ҳолат, ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумлик. *Ҳуқуқсизлик, миллий тенгсизлик фақат шулар билан чекланмасди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Жабр, зулмга қарши, ҳуқуқсизликка қарши курашмоқ керак.* Ойбек, Нур қидириб.

ҲУҚУҚШУНОС [*а.* + *ф.* حقوقشناس – ҳуқуқни ўрганувчи, ҳуқуқ билимдони] Ҳуқуқшунослик мутахассиси. *Алишер машҳур ҳуқуқшунос Хўжа Фазлулло Абуллайсдан муттасил дарс олар экан.* Ойбек, Навоий.

ҲУҚУҚШУНОСЛИК Ҳуқуққа оид фанлар (мажмуи). *Қиёсий ҳуқуқшунослик.* ▬ *Ҳуқуқшунослик илми кўп вақтлардан бери жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганади.* Газетадан. *Мухтор молия-иқтисод институтига, Тожиддин эса ҳуқуқшунослик институтига ўқишга кирган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ҲУҚҚА [*а.* حقّه – кутича, яшикча] *эск. кам қўлл.* Майда нарсалар солиб қўйиладиган, тўгарак ёки тўртбурчак шаклидаги қутича. *Афанди бир куни ўзига зеб бериб.. бир қўлига ҳуққа, тасбеҳини ушлади..* «Муштум».

ҲУҚҚАБОЗ [*а.* + *ф.* حقّه‌باز – найрангбоз, фирибгар, товламачи; фокусчи] *эск.* **1** Қутичалар ичидан чаққонлик билан ҳар хил нарсалар чиқариб, ўйинлар, фокуслар кўрсатувчи киши; кўзбоғловчи. *Хитой кийимида, кўзини хитойчасига бўяган, сочини орқасига ўраган иккита ҳуққабоз талинка [тарелка]ларни чўпларда ўйнатиб чиқади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 *кўчма* Ҳийлагар, фирибгар, найрангбоз. *-Мустамлакачиликнигина эмас, агрессив блокларни ҳам.. ҳимоя қилиш бу – кўзбоғловчи ҳуққабозларнинггина қўлидан келиши мумкин, – деди Аҳмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ҲУҚҚАБОЗЛИК Ҳуққабоз ўйини. *Қизиқчи ҳуққабозлик қила туриб, оёғини бошига уриб олади ва аразлаб, майдондан чиқиб кетади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ҲУҚҚИ Муз қатламида тешиб очилган раҳна, муз тешиги, музнинг ўйиқ жойи. *Қўққисдан муз устидаги тешикка – ҳуққига бир бола тушиб кетади.* Ойбек, Болалик.

ҲУҲ I *унд. с.* Пўписа учун ишлатилади. *-Ҳуҳ, сени!.. Мунчоқни суиистеъмол қилсин деб, сенга ким айтди? – деди Меҳмонов қизчасига.* С. Абдулла, Обрўйим тўкилади.

ҲУҲ II *тақл. с.* Ўпкадаги ҳавони, нафасни оғиздан зарб билан чиқаришда юзага келадиган товушни билдиради. *Қосимжон ёнини ковлаётганида, милиционернинг қошлари чимирилиб кетди: -Шошманг, шошманг, битта ҳуҳ, деб юборинг-чи.* С. Аҳмад, Катайса.

ҲУҲЛАМОҚ «Ҳуҳ» деб нафас чиқармоқ; «ҳуҳ» демоқ. *Буни кўриб, «Тўймас» уйга кирадиган бўлдик, деб севинди; у ҳам қўлини оғзига тутиб, ҳуҳлаганича, эшик томонга келаверди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

ҲУ-ҲУ *тақл. с.* Мусича, қумри каби қушлар сайраганда чиқадиган товушни билдиради.

Ҳу-ҳу тортмоқ Ҳуҳулаб сайрамоқ. *Мусичалар ҳу-ҳу тортиб, булбуллар қўниб, зоғлар учиб, кўрганларнинг бахрини очибди.* «Равшан».

ҲУҲУЛАМОҚ «Ҳу-ҳу» деб сайрамоқ (қумри, мусичалар ҳақида). *Қумрилар мунгли-мунгли ҳуҳулар.* Ойбек, Навоий. *Мусичалар ҳуҳулайди, дарахтларда, деворлар устида бир-бирини қувлашади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲЎ *кўрс. олм.* **1** Узоқдаги нарсани кўрсатишни, унга ишорани билдиради. *-Бригадир қаерда? -Ҳў, анави пайкалда.* ▬ *Мен сизга айтган қизни кўрсатайми? Ҳў, анави, ўртадаги қора камзуллик!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Илгари бўлиб ўтган иш-ҳаракат, ҳодиса ва ш.к. га ишорани билдиради. *..ҳў, бурноғи йили серёғ, сергўшт паловхонни Бабуддан осонгина ундирган эди.* «Муштум».

3 Мурожаатда диққатни жалб этиш учун ишлатилади. *-Ҳў, ишёқмас, манглайи қора, — деди Мадрайим навкар ўшқириб унга.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 Ундов сўз олдидан маънони кучайтириш учун қўлланади. *Э, э, йигитча! Қани, бу ёққа келинг-чи! Ҳў, баракалла, мулла Суяр! Отасини суярми, онасини суярми, а? Ё иккаларини ҳам суярми?* А. Қаҳҳор, Ўжар.

ҲЎВ *айн.* **ҳў 1.**

ҲЎЙ *айн.* **ҳой.** *Фахриддин кирганда, Меҳри энди уйқудан турган экан. -Э, ҳўй.. Яхшимисан.. ҳўй! — деди Фахриддин.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

ҲЎКИЗ 1 Икки ёшдан ошиб, қўшга ярайдиган ҳолга келган бичилган эркак қора мол. *У ердан сув чиқади деб ўйлаш — ҳўкиз сут беради, деб ўйлашдай гап.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *У колхознинг қўш ҳўкизи билан ўз ерини ҳайдамоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кўчма сўк.* Шу молга нисбатли ҳақоратни билдиради. *-Анави ҳўкизни қаранг-у, манави парини! — деди Заврак анча нарида ўз чодири ёнида турган Худододбекни яна кўрсатиб.. — бийрон ва шаддод қиз ўшанинг қўлига тушяпти.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ҲЎККИ *шв.* Букур. *Эгам сени ҳўкки қилиб яратиб қўйибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ҲЎЛ 1 Сувга ивиган, сувланган. *Ҳўл кийим. Қўлим ҳўл. Ёмғирда костюмим ҳўл бўлди.* ▬ *Аҳмад бригадир қўлларини қозиқдаги ҳўл сочиққа тортинмай артди.* С. Нуров, Нарвон. *..бир қанча гул япроқлари Чароснинг ҳўл сочларига, юзига ёпишиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ўзида бўлган суви, нами, шираси қочмаган. *Ҳўл мева. Ҳўл новда. Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнар.* Мақол. ▬ *[Йўлчи] Ёрмат топиб берган бир эски кўрпачани қуруқ ерга ёйиб, бошини бир боғ ҳўл бедага қўйиб, уйқуга кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. У *болалари олдида айбдордек, ҳўл ўтин вишиллаб сасиётган ўчоққа қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ҲЎЛЛАМОҚ Ҳўл қилмоқ, сув тегизмоқ, нам бермоқ. *Рўмолчани ҳўлламоқ. Латта ҳўллаб, пол ювмоқ. Сочини ҳўлламоқ. Бармоғини ҳўлламоқ.* ▬ *Қизини бағрига босиб, пешонасидан ўпганда, кўз ёшлари Жумагулнинг юз-кўзини ҳўллади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ўғли бўлса чойга нон ҳўллаб емоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Чол лаблари билан бир парча эски чармни ҳўллаб туриб деди..* Ойбек, Танланган асарлар.

Томоқни ҳўлламоқ Бир оз ичмоқ. *Юринглар, томоқни ҳўллаб оламиз, ҳам чайласини кўрамиз.* С. Нуров, Нарвон. *Ёшликнинг охири, қариликнинг боши, дегандай озроқ томоқни ҳўллаб олсак бўларди.* «Муштум».

ҲЎНГИЛЛАМОҚ *шв. айн.* **ҳўнграмоқ.** *У дик ўрнидан туриб, ҳўнгиллаб йиғлаганча, ташқарига чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Феълан кучсизлик.

ҲЎНГИР-ҲЎНГИР *тақл. с. қ.* **ҳўнг-ҳўнг**. *Устига тоғ ағдарилган махдум бошини яна қуйироққа солиб, ҳўнгир-ҳўнгир йиғлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қўй, юлдузим, қизим, ўксима, Кўз намлама, қўй ҳўнгир-ҳўнгирингни.* С. Жўра.

ҲЎНГРАМОҚ «Ҳўнгир-ҳўнгир», «ҳўнг-ҳўнг» товуш чиқармоқ, шундай товуш чиқариб йиғламоқ. *[Канизак] Бирдан лаби пирпираб, ҳўнграб юборди-да, дуррасининг учи билан юзини бекитиб, тескари ўгирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..дарахтлар орқасидан ҳўнграб йиғлаган товуш эшитилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Армон бари бир дош беролмади, ҳўнграганча, уйга отилди.* «Ёшлик». *Сорахон ўзини диванга кўтариб уриб, бир товуши билан ҳўнграб йиғлади.* А.. Қаҳҳор.

ҲЎНГ-ҲЎНГ *тақл. с.* Эзилиб, куюниб йиғлашдаги қаттиқ товушни билдиради. *Мунира кичкинагина курсида мункайиб ўтириб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Пошша хола ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, қуруқ қўл билан уйга қайтди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Ғор ичида Лаълининг юракни эзадиган ҳўнг-ҳўнг йиғиси эшитиларди.* Ҳ. Ғулом. Машъал.

ҲЎП *унд. с.* Сакраш, ҳатлаш пайтида айтиладиган нидо.

ҲЎПЛАМ Бир ҳўплаб, оғизга олинган суюқлик миқдори. *Бир ҳўплам сув.* ▬ *[Ибн Сино] Уйқуси келиб, кўзига қум тиқилганда, аллақандай бир ўтни қайнатиб тайёрланган доридан бир ҳўплам ичар, кўзи яна очилиб, зеҳни равшанлашарди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Икки чимдим ош еди-ю, бир ҳўплам чой ичди.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар.

ҲЎПЛАМОҚ 1 Бир ҳўплам, ҳўплам-ҳўплам оғизга олмоқ. *Норбой ярим коса шўрвани остонада тик турганча ҳўплаб ичди.* «Ёшлик». *Сидиқжоннинг ёнида ўтирган киши ҳўплаган чойни пуркаб юборди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..уградан бир қошиқ ҳўплаган эди, қалқиб кетиб, қаттиқ ўқчиди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

2 *кўчма* Ўзига олиб (ютиб) йўқ қилмоқ. *Пахтанинг фойдасини Ҳўплаб турар фермамиз, Чорванинг кам-кўстини Бозордан сотволамиз.* «Муштум». *Ҳафта ўтди, кун ўтди, Қаторлашиб анча ой. Жўш уриб, қирғоғини Ҳўплар эди телба сой.* Ғайратий. *Ўртоқ Рустамов, айш-ишрат анча пулни ҳўпласа керак?* «Муштум».

ҲЎППАК I Икки қўл шапалоғини бириктириб, орқаси билан уриш.

Ҳўппак олмоқ 1) икки қўл шапалоғини бириктириб, орқаси билан урмоқ; 2) *кўчма* ўч олмоқ; зарда қилмоқ, аччиқланмоқ; қасдлашмоқ. *Ичкарида Ўзбек ойим меҳмонларни кузатиб бўлиб, Кумуш билан онасидан ҳўппак олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ҲЎППАК II *с. т.* Пахтаси етилиб, яхши очилган кўсак. *Ҳўппак пахта.*

ҲЎППОЗ Ёнма-ён жойлашган бир неча соч халтачаси ва тери безларининг ҳамда шу соҳадаги тери ва тери ости ёғ қатламининг ўткир йирингли яллиғланиши; карбункул, кўк яра. *Сизлоғич, чипқон, ҳўппоз.. ва бошқа касалликлар келиб чиқиши мумкин.* Газетадан.

ҲЎШШАЙМОҚ *шв.* Ўшшаймоқ. *Ҳўшшаймай ўл!.. Қачонгача мен сенинг эрингни пойлайман?!* А. Қаҳҳор, Сароб.

ҲЎ-ҲЎ-Ў *унд. с.* Кучли таажжуб, ҳайрат маъноларини билдиради. *Элмурод хаёлида ҳисоблаб кўриб: -Тахминан икки минг йиллардан кўпроқ бўлсами.. — деди. -Ҳў-ҳў-ў.. — деди Мели полвон.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СЎЗ ЯСОВЧИ ВА ШАКЛ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ-ИЛЛЮСТРАТИВ КЎРСАТКИЧИ

Ушбу кўрсаткични тузишда З. Маъруфовнинг «Словообразовательные и словоизменительные аффиксы узбекского языка» (Узбекско-русский словарь, М. 1959, 716-727-бетлар), А. Ғуломов, А.Н. Тихонов ва Р. Қўнғуровларнинг «Ўзбек тили морфем луғати» (1977), А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тили сўз ясалиши» (1989), «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» (2007) асарларидан, мавжуд ўзбек тили грамматикаларининг сўз ясалиши қисмларидан унумли фойдаланилди. Кўрсаткичда асосий сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчалар келтирилиб, баъзи вариант аффикслар, форсча ва арабча сўзлар таркибидаги айрим аффиксоидлар ўз аксини топмаган. Шу нуқтаи назардан тузувчилар кўрсаткични тўлиқ, мукаммал, деган даъводан йироқдирлар.

Тузувчилар: **Н. Маҳкамов, А. Мадвалиев.**

-а I сўз ясовчи: 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи феъл ясайди: *ошамоқ, тунамоқ, қонамоқ*. Бунда баъзи ясалмаларнинг асослари фонетик ўзгаришга учрайди: *ўйнамоқ* < *ўйин + а; яшамоқ* < *ёш + а; санамоқ* < *сон + а* каби; 2) сифатлардан асос англатган ҳолатга ўтиш маъносини билдирувчи феъллар ясайди: *қийнамоқ, бўшамоқ;* 3) тақлидий сўзларга қўшилиб, ўша овоз билан характерланадиган ҳаракатни англатувчи феъл ясайди: *жилдирамоқ, шилдирамоқ, қалтирамоқ;* 4) феъллардан сифатлар ясайди: *кўтара* (савдо), *қўша-қўша* (уйлар); 5) якка ёки такрорланган тақлидий сўзлардан от ясайди: *жизза, дўмбира; қаҳқаҳа, шаршара*; 6) тақлид сўзлардан равиш ҳосил қилади: *гуппа-гуппа, таппа-таппа, таққа* (тўхтади), *шаррта.*

-а II шакл ясовчи: 1) феълларга қўшилиб, ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиши, интенсивлик каби маъноларни ифодалайди: *бурамоқ, ур(и)намоқ* каби; 2) такрор ёки жуфт феъл асосларига қўшилиб, ҳаракатнинг белгисини билдирувчи равишдош шаклини ҳосил қилади: *кута-кута, чопа-чопа, шоша-пиша, юра-юра;* 3) феълларга қўшилиб, равишдошнинг давомийлик маъносини ифодаловчи шаклини ҳосил қилади ва мустақил феълларни кўмакчи феълларга боғловчи восита ҳисобланади: *ёза тур, кела қол.*

-ажак ундош билан тугаган феъл асосларидан келаси замон сифатдоши шаклини ясайди: *боражак, бўлажак.* Бундай сўзларнинг баъзилари отлашган ҳолатда ҳам бўлади: *келажак.*

-ай I сифат ва равишлардан асос билдирган белги, ҳолатга ўтиш маъносини ифо-

даловчи феъл ҳосил қилади: *кўпаймоқ, озаймоқ, пасаймоқ, тораймоқ.*

-ай II ундош билан тугаган феъллардан феълнинг истак майл шаклини ҳосил қилади: *ёзай, терай, турай, қолай.*

-ак 1) отдан кичрайтиш ва ўхшатиш маъносини ифодаловчи от ясайди: *баргак, ичак, йўлак;* 2) отлардан ўхшатиш, ҳолат, тур билдирувчи сифатлар ясайди: *мурғак* (бола), *қирмизак* (олма), *ғалвирак* (ёнғоқ); 3) якка ёки такрорланган тақлидий сўзлардан от ясайди: *виррак, гулдурак, қарсак, ғуррак*; *бизбизак, дардарак*.

-акам от ва сифатлардан модаллик маъносидаги равиш ва сифат ҳосил қилади: *ёлғон(д)акам, ростакам, чинакам, ҳазилакам* каби.

-аки 1) отдан сифат ясайди: *оғзаки, юзаки, қалбаки*; 2) отдан равиш ясайди: *бурунаки*; 3) сифатдан сифат ясайди: *пучаки, хомаки, шўраки*; 4) тақлидий сўзлардан характер-хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *жиртаки, шартаки, ғирғираки.*

-ала I баъзи сонларга қўшилиб, биргалик маъносини англатувчи жамловчи сон шаклини ясайди: *бешала, иккала, тўртала, учала.*

-ала II (**-а + -ла**) феълларга қўшилиб, интенсивлик маъносини ифодалайди: *қайталамоқ, қуваламоқ.*

-алак сифатдан кичрайтириш маъносини билдирувчи от ясайди: *дўнгалак.*

алла- 1) сўроқ олмошлари олдидан қўшилиб, предмет, белги, пайт, ўрин ёки ҳодиса ҳақида ноаниқликни англатувчи гумон олмошини ҳосил қилади: *аллаким, алланечук, алланима, аллақаер, аллақачон;* 2) *вақт, маҳал* сўзлари олдидан келиб, пайт равишини ҳосил қилади: *аллавақт, алламаҳал.*

-ан араб тилидан ўзлашган, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдирган равишлар таркибида гўё ясовчи каби ажралади, аслида у ўзбек тили материаллари асосида сўз ясамайди: *мажбуран, руҳан, тамоман.*

-ар I 1) айрим сифатларга қўшилиб, асос англатган ҳолатга ўтишни ифодаловчи феъллар ясайди: *кўкармоқ, оқармоқ*; 2) от + феъл компонентли сўзлардан қўшма отлар ясайди: *бешиктерватар, бўйўсар, изқувар, отчопар, қўйбоқар, ҳуснбузар*; 3) от + феъл компонентли сўзлардан хусусият билдирувчи қўшма сифатлар ясайди: *ишбузар, меҳнатсевар, тинчликсевар.*

-ар II ундош билан тугаган феъллардан келаси замон сифатдоши шаклини ясайди: *борар, ёзар, келар.*

-аро аслида аффикслаша бошлаган мустақил ***ора*** сўзи бўлиб, отларга қўшилиб келади, бундай сўзлар кўпинча сифат вазифасида қўлланади: *базмаро, туманлараро, халқаро, ўзаро, ҳужайралараро, ҳукуматлараро* каби.

-аси (**-а + -си**) феъл негизидан унинг сифатдош шаклини ясайди: *келаси* (йил), *ўласи* (мол).

-ат I феъл асосларидан от (*ўлат, кўчат*), шунингдек, отдан от (*элат*) ясайди.

-ат II араб тилидан ўзлашган баъзи сўзлар таркибида учрайди ва гўё қўшимча тарзида ажралади; аслида у ўзбек тилида сўз ясамайди: *зарурат*, *камолат*, *охират* (*яна қ.* **-ият**).

-ақай *чап, ўнг* каби айрим сўзлардан сифат ясайди: *чапақай, ўн(г)ақай.*

-ағон феъл асосларидан англашилган маънонинг ортиқлигини, мукаммаллигини ифодаловчи хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *билағон, кулағон, сузағон, тепағон, топағон, чопағон, қопағон.*

-б феъл негизларидан ўтган замон равишдоши шаклини ҳосил қилади: *сўзлаб, тараб, ўйнаб, қариб* каби. Бундай равишдошларнинг айримлари кўмакчига кўчган: Қишлоққа *қараб* (томон) кетди.

ба-[*ф.* با – биргалик, бирор нарсага эгалик маъноларидаги олд қўшимча] отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчаларга эгалик ёки ортиқлик маъноларини билдирувчи сифат ясайди: *бадавлат, баҳаво, баҳайбат, бақуввaт* (*яна қ.* **бо-**).

бад- [*ф.* بد – ёмон, ярамас] отдан салбий маъно, яъни «ёмон» маъносидаги сифатлар ясайди: *бадбахт, бадбашара, баджаҳл, баднафс, бадном, бадхулқ.*

бар- [*ф.* بر – -га, томонга, устида, олдида, учун маъноларидаги олд қўшимча] отларга қўшилиб, шу от ифодалаган маънога эгаликни, унга эришганликни билдирувчи сифат ёки равиш ҳосил қилади: *барвақт, баркамол, барқарор, барҳаёт, барҳақ.*

-бахш [*ф.* بخش – берувчи, бағишловчи; *а.* بخشيدن – «бермоқ, бағишламоқ, совға

қилмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани бериш, бағишлаш, шу нарса билан таъминлаш хусусиятига эга деган мазмундаги сифатлар ясайди: *илҳомбахш, оромбахш, роҳатбахш, ҳаётбахш.*

бе- [*ф.* بی – инкорни, йўқликни ифодаловчи олд қўшимча] от асосларидан олдин қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага эга эмасликни, муайян белги-хусусиятнинг йўқлигини англатади: 1) шахсга оид характер-хусусият, ҳолатнинг мавжуд эмаслигини билдирувчи сифатлар ясайди: *беармон, беодоб, бераҳм, бесабр, беҳафсала*; 2) асосдан англашилган шакл-кўриниш, хусусият, ҳолатнинг мавжуд эмаслигини билдирувчи сифатлар ясайди: *бевақт, бежанжал, беўхшов.* **бе-** қўшимчаси орқали ясалган баъзи сифатлар яхлит ҳолга келиб, қисмларга ажралмайди: *бежирим, безовта, бекор, бесўнақай.* Баъзан қўшма сўзларга қўшилиб, сифат ясайди: *бекам-кўст, беном-нишон* каби. Баъзан тожик тилидаги **но-** олд қўшимчаси, баъзан эса ўзбекча **-сиз** аффикси билан функционал алмашиши мумкин: *беайб – айбсиз, беандаза – андазасиз, беармон – армонсиз, бебахт – бахтсиз, беваж – важсиз, бевосита – воситасиз, бедаво – давосиз.* **Бе-** билан **-сиз** ёки **но-** аффиксларини алмаштириш мумкин бўлмайдиган ўринлар (семантик фарқланадиган ўринлар) ҳам бор: *бебош – нобош* қўлланмайди ёки *бебош* (шўх) – *бошсиз* (бошқа маънода); *нотинч* сўзи ҳам айни маънода *бетинч, тинчсиз* тарзида қўллана олмайди.

бо- [*ф.* با – бирор-бир сифатга, белгига эгаликни билдирувчи олд қўшимча] *айн.* **ба-**: *боадаб, боақл, бообрў, бохабар.*

-боз [*ф.* باز – ўйновчи; باختن – «ўйнамоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса ёки ҳодиса билан фаол шуғулланадиган, унга қизиқадиган, жуда берилган (шахс) каби маъноларни берувчи сифатлар ясайди: *аризабоз, каптарбоз, сафсатабоз, қиморбоз* каби. Баъзан у оғзаки нутқда **-воз** шаклида ҳам ишлатилади (б→в): *беданавоз, майнавоз, масхаравоз, найзавоз.*

-бон [*ф.* بان – қўриқловчи, сақловчи, асровчи] бирор нарсага қараб турувчи, уни сақловчи, қўриқловчи шахс маъносидаги от ясайди: *боғбон, дарвозабон, саройбон.* **-бон** морфемаси баъзан **-вон** шаклида ҳам учрайди (б→в): *соявон, тарозивон* каби.

-в унли билан тугаган феъл асосидан ҳаракат номи, жараённи билдирувчи отлар ясайди: *айблов, бағишлов, безиллов, мақтов, сайлов, синов, сўзлов, тергов, ундов, қишлов, ҳайдов;* бундай вақтда **в** олдидаги **а** товуши **о** га ўтади (а→о). Ушбу қўшимча, шунингдек, конкрет предмет номини кўрсатувчи от ҳам ясайди: *буров, яйлов, қишлов.* Ўрнига қараб, **-(и)ш, -(у)в, -моқ** аффикслари билан функционал алмашиши мумкин. Мас.: *айблов // айблаш // айбламоқ; қутлов// қутлаш // қутламоқ.*

-ванд отларга қўшилиб, асосдан англашилган маънога эга эканликни билдирувчи (шахсга хос) сифат ясайди: *касалванд, нашаванд* (*яна қ.* **манд**).

-вачча [*ф.* بچه – бола, гўдак] 1) бирор қариндошнинг, умуман, бирор кишининг боласи (ўғли, қизи) маъносидаги отлар ясайди: *акавачча, амакивачча, бойвачча, жиянвачча, холавачча, қозивачча*; 2) жониворларга нисбатан ишлатилганда ҳам, «айни жониворнинг боласи» маъносини билдиради: *итвачча, кучуквачча, мушуквачча. Итвачча, қулвачча* типидаги қўлланишларда услубий бўёқдорлик кузатилади.

-вер *бермоқ* ёрдамчи феълининг интервокал ҳолатдаги асоси бўлиб, аффиксга айланиш жараёнидадир (б→в). **-а** ёки **-й** шаклидаги равишдошдан давомлилик, такрорланганликни билдирувчи феъл ясайди: *ёзаверди, сўзлайверди, ўқийверди* каби. Баъзан «бошлайвер», «тортинма» каби тўсиқсизликни билдириш маъносига ҳам эга бўлади: Нега жимсан, *гапиравер.*

-вий [*а.* وی – унли билан тугаган отлардан сифат ясовчи қўшимча] одатда, араб ва эроний тиллардан кирган сўзларда – нисбий сифатлар таркибида учрайди: *афсонавий, замонавий, оилавий, қабилавий* каби (*қ.* **-ий**).

-вор от, сифат туркумига оид сўзлардан хослик, характер-хусусият, шакл, ҳолат каби белги маъноларини англатувчи сифат ва равиш ясайди: *афсонавор, доривор, мардонавор, улуғвор, умидвор.*

-га I жўналиш келишигининг асосий шакли бўлиб, ўзи қўшилган асоснинг луғавий маъносига кўра ҳаракатнинг йўналиш нуқтасини, объект, ўрин, пайт каби маъ-

ноларни ифодалайди: *далага, мактабга, менга, уйга;* баъзан келишик аффикси ўзи бириккан асос билан қотган ҳолда равишга ўтади: *бекорга, бирга, гўрга* («майли» маъносида), *индинга, текинга, эртага.* **-га** аффикси *бекорга, беҳудага, жўрттага, қайтага* каби равишлар таркибида ҳам учрайди. Шунингдек, III шахс эгалик аффикси билан қўшилган ҳолда, сифат, равиш, баъзан отдан равиш ясайди: *айланасига, очиқчасига, тиккасига, чаппасига, ялписига, қаторасига.*

-га II айрим феълларда интенсивликни кўрсатиш учун хизмат қилади: *сургамоқ.*

-газ феъл асосига қўшилиб, феълнинг орттирма даражасини ҳосил қилувчи аффикс; асоснинг тугалланма товуши тақозоси билан унинг **-каз, -қаз, -ғаз** вариантлари ҳам қўлланиши мумкин: *етказ, кўргаз, ўтказ; етқаз, тутқаз; турғаз.* Бу аффикснинг **-кар** тарзидаги варианти ҳам мавжуд: *ўтказ // ўткар.* **-газ** нинг турли хил шакллари ўрни билан орттирма даража ясовчи бошқа шакллар билан вазифадош бўла олади: *кўргаз // кўрсат, битказ // битир, тўйғаз // тўйдир* каби.

-ган феъл асосига қўшилиб, айни феълнинг ўтган замон сифатдоши шаклини ҳосил қилади: *борган, келган, турган, ўқиган* каби.

-гани (**-кани, -қани**) феъл негизларидан мақсад равишдоши шаклини ясайди: *ёзгани, кўргани, таққани, эккани* каби. Шеъриятда **-гани** аффиксининг **-гали (-кали, -қали)** каби архаик шакли ҳам учраб қолади. Ҳозир ушбу архаик шакл қўлланишдан чиққан. **-гани (-кани, -қани)** ҳозирги ўзбек тилида **учун** кўмакчиси билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин: *кўргани // кўриш учун.*

-ганча (**-ганича**) ҳолат, пайт билдирувчи равишдош шаклини ясайди: *ётганча, кетганча* (шу *кетганча* қайтиб келмади), *югурганча, ўтирганча.* Баъзи ҳолатларда **-гунча (-кунча, -қунча)** аффикслари **-ганча** аффиксининг грамматик синоними ҳисобланади.

-гар [*ф.* گر < کار – иш, фаолият; қилмиш, хатти-ҳаракат] отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунча билан шуғулланувчи, уни бажарувчи маъноларини билдирадиган, шахсга хос белги сўзларини ҳосил қилади. Улар бугунги кунда шахс оти сифатида қўлланади: *жодугар, иғвогар, сеҳргар, ситамгар, фирибгар.* Шунингдек, **-чи** билан биргаликда ҳам келади: *савдогарчи.* Бу плеонастик аффикслардир. Бунда улардан бири семантик жиҳатдан кучсизланиб, сўз ясовчидан шакл ясовчига ўтади.

-гарчилик (**-гар + -чи + -лик**) қўшма аффикс: 1) от асосларидан хусусият, ҳолат, баъзан касб номини англатувчи мавҳум отлар ясайди: *ёғингарчилик, исрофгарчилик, лойгарчилик, оворагарчилик, совунгарчилик* каби; 2) ясама сифатларга қўшилиб, хусусият номини англатувчи от ясайди: *бемазагарчилик, бемаънигарчилик, серобгарчилик* каби.

-гач феълларга қўшилиб, пайт ва сабаб маъносини англатувчи равишдош шаклини ясайди: *битиргач, ёзгач, кўргач, юргач.* Унинг пайт ва сабаб маънолари, одатда, умумий матнда аниқлашади (мас., *у айтгач..*), лекин инкор шакли билан келганда, кўпинча, сабаб билдиради: *У бормагач, мен бордим* (*яна қ.* **-кач, -қач**).

-гача (**-га +-ча**) қўшма аффикс. От, сифат, равиш, олмошдан пайт-чегара маъносини билдирувчи равиш ясайди: *кечгача, кузгача, мактабгача, уйгача* каби (*яна қ.* **-кача, -қача**).

-ги I 1) феъл асосларидан нарса-объект ва қурол отларини ясайди: *сузги*, *супурги*; 2) феъл асосларига қўшилиб, мавҳум от ясайди: *кулги, сезги.*

-ги II унли ёки жарангли ундош билан тугаган от, равишларга қўшилиб, пайтга муносабат, хослик билдирувчи, кўпинча нисбий сифат ҳосил қилади: *аввалги, бурунги, кечаги, кузги, кундузги, тонгги, тунги, эндиги, қадимги* каби.

-ги III эгалик аффикслари билан бирликда **келмоқ** феъли билан қўшилганда, хоҳиш маъносини англатиш учун хизмат қилади: *кўрги + м келди, ўқиги + м келди* каби. Худди шу маъно **-ги+м** аффиксли сўзларни **бор** ва **йўқ** сўзлари бошқарганда ҳам юз беради: *сўраги + м бор, ухлаги + м йўқ* каби.

-гиз феъл асосларига қўшилиб, феълнинг орттирма даражаси шаклини ҳосил қилади; **-гиз** қўшимчаси аксар ҳолларда ўтимсиз феълга қўшилиб, уни ўтимли

феълга айлантиради: *боргиз, егиз, кийгиз, юргиз.*

-гин феълдан англашилган маънони алоҳида таъкидлаш, кучайтириш билан ифодалайдиган, феълнинг II шахс бирлик сондаги буйруқ майлини ҳосил қилади: *боргин, ёзгин, келгин, олгин, ўтиргин* (қ. **-кин** I, **-қин** II).

-гина I модал муносабат ёки субъектив баҳо шаклини ҳосил қилади: 1) отнинг эркалатиш-кичрайтириш шаклини ҳосил қилади: *болагина, жонгина(м), қизгина* каби; 2) сифатнинг субъектив баҳо шаклини ҳосил қилиб, предметга, шахсга бўлган ижобий муносабат маъноларини англатади: *енгилгина, жажжигина каттагина, кичкинагина, соддагина, ширингина, яхшигина, қаригина*; 3) равишга қўшилиб, модал маъно ҳосил қилади: *анчагина, астагина, кўпгина, озгина, эндигина, ҳалигина.*

-гина II урғусиз ҳолатда айирув-чегаралов юкламаси вазифасини бажариб, ажратиб кўрсатиш, алоҳидалик маъноларини ҳосил қилади: *бизларгина, сенгина, сўзларнигина, фақатгина* каби.

-гир I феълларнинг буйруқ шаклига, яъни асосига қўшилиб, бирор ҳаракат ёки хусусиятнинг ортиқлигини билдирувчи сифат ясайди: *билгир, сезгир, тезгир* каби.

-гир II [*ф.* گیر – тутувчи, ушловчи; бўйсундирувчи; گرفتن – «олмоқ, тутмоқ, ушламоқ; босиб, эгаллаб олмоқ, бўйсундирмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асос англатган нарсани тутиб, ушлаб олувчи, ўзига бўйсундирувчи маъносидаги шахс отини ясайди: *жаҳонгир, оламгир, фазогир.*

-гич феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатни амалга оширувчи қурол, асбоб отини ясайди: *бириктиргич, ковлагич, кўтаргич, майдалагич, пуркагич, сузгич, ўтказгич, қистиргич, (қозон)ювгич* каби.

-гоҳ [*ф.* گاه – вақт, пайт; қўшма сўзнинг ўрин билдирувчи иккинчи қисми] асосдан англашилган воқеа-ҳодиса билан боғланган ўринни билдирувчи от ясайди: *жанггоҳ, оромгоҳ, сайилгоҳ, қароргоҳ* каби.

-гудек феълларга қўшилиб, равиш ясайди: *еб қўйгудек, мақтаса мақтагудек, ўлгудек* каби.

-гувчи феълга қўшилиб, типик ҳаракат маъносини ифодаловчи сифатдош шаклини ҳосил қилади (бирмунча архаиклашган): *интилгувчи, қолгувчи* (У ҳамма вақт ерга қараб *юргувчи* эди).

-гулик қўшма аффикс, феълларга қўшилиб, феълнинг сифатдош шаклини ҳосил қилади: *айтгулик*, *егулик* (овқат), *етгулик* (ситам).

-гун *-дай, -дек* аффикслари билан биргаликда келиб, феъл асосларидан ишга ярарли, мос келувчи, арзийдиган, шунингдек, ўхшашлик маъноларидаги (қ. **-дай, -дек**) равиш ясайди: *арзигундай, айтгундай, ўлгундек* каби.

-гунча феъллардан пайт маъноси билан алоқадор равишдош шаклини ясайди: *боргунча, ёзгунча, пишгунча, узгунча, юргунча* каби. Бунда давомлилик маъноси (Шаҳарга *етгунча* суҳбатлашиб келди) ҳамда ишнинг мўлжалланган иккинчи ишдан кейин бажарилиши маъноси (Овқат *пишгунча*, болаларни ювинтирди) ифодаланади.

-гур феълга қўшилиб, (ижобий ёки салбий) истак маъносини ифодалайди; одатда, сифатдош ва сифатларга тўғри келади: Боласи *тушмагур* ёш-да. Умринг узоқ *бўлгур. Ўлмагур* отам бермайди севганимга, ёрёр; *Ўлгур! Кўр бўлгур! Яш(ш)амагур!*

-гуси феълнинг келаси замонини кўрсатувчи тарихий шакл. Ҳозир ўзбек тилида фақат шеъриятда услубий мақсадларда ишлатилади: Ҳосилингиз мўл *бўлгуси*, Душман куйиб кул *бўлгуси* (қ. **-ғуси**).

-гўй [*ф.* گوی – айтувчи, сўзловчи; گفتن – «айтмоқ, сўзламоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган иш-ҳаракат, ҳодисани доим бажариб (айтиб) турадиган шахс отини ясайди: *ваъдагўй, дуогўй, насиҳатгўй, ҳақиқатгўй.*

-да I пайт билдирувчи сўзларга қўшилиб келганда, маъноси ўрин равишига тўғри келади: *ёзда, кузда, тезда, яқинда.*

-да II феъл ясовчи архаик қўшимча: *алдамоқ, индамоқ, ундамоқ, ҳайдамоқ*. Ҳозирги **-ла** ясовчисининг алломорфидир.

-да III ўрин-пайт келишигининг шакли бўлиб, ўзи қўшилган асоснинг маъносига кўра ҳаракатнинг (баъзан предметнинг) бўлиш нуқтасини, ўрин, пайт, объект маъноларини ифодалайди: *далада, дарсда, менда, сойда* каби.

-да IV таъкид, тўсиқсизлик юкламаси вазифасини бажаради: *битса-да, бўлса-да, келса-да, сен-да.*

-да V боғловчи, бундай вақтда у **ва**, **ҳам** боғловчилари билан синонимик муносабатда бўлади (лекин маъновий жиҳатдан фарқланади): *келди-да кетди // келди ва кетди; келса-да ишламади // келса ҳам ишламади.*

-даги қўшма аффикс (ўрин келишиги кўрсаткичи **-да+-ги**); от, сифат, равиш ва олмошдан сифат ясайди: *биздаги, боғдаги, бундаги, галдаги, мендаги, навбатдаги, режадаги, сендаги, сиздаги, узоқдаги, уйдаги, яқиндаги, қуйидаги* каби.

-дай // **-дек** от, сифат, олмош туркумидаги сўзлардан қиёслаш, ўхшатиш йўли билан предмет ва иш-ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сифат ва равиш ясайди: *аввалгидай (-дек), бургутдай (-дек), гулдай (-дек), кафтдай (-дек), муздай (-дек), ойдай (-дек), сиздай (-дек), тоғдай (-дек), чамандай (-дек), ўқдай (-дек), қадимгидай (-дек), қиличдай (-дек), қушдай (-дек).* **-дай // -дек** орқали ясалган баъзи сифатлар ажралмас ҳолга келиб қолган: *жиндай, жўжабирдай* (жон), *қитдай* (туз).

-дак I феъл асосидан от ясовчи каммаҳсул қўшимча: *кекирдак, югурдак* каби.

-дак II *-дай* ёки *-дек* элементининг сўзлашув нутқидаги фонетик кўриниши (*қ.* **-дай** // **-дек**).

-дан I от, сифат, равиш ва сонлардан парадигмадан ажралиб — қотиб, бошқа туркумга кўчиш йўли билан равиш ясайди:, *атайдан, афтидан, бехосдан, бирдан, ростдан, тездан, тубдан, тўсатдан // тўсиндан, чиндан, янгитдан, қайтадан, қасддан, қўққисдан, ҳалитдан* каби.

-дан II чиқиш келишигининг шаклини ҳосил қилиб, ўзи қўшилган асоснинг маъносига кўра ҳаракатнинг чиқиш нуқтаси, объект, ўрин, пайт, сабаб каби маъноларни англатади: *китобдан, мактабдан, ундан, шаҳардан* каби. **-дан** аффикси **билан, сабабли** кўмакчилари ҳамда тўдадан ажратилганлик маъносини билдирганда, қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг** билан синонимик муносабатда бўлади. Такрор сўзларнинг биринчи қисми таркибида келиб, кучайтириш маъносини билдиришга хизмат қилади: *кундан-кун, кўпдан-кўп, узундан-узоқ, янгидан-янги* каби.

-дан III дона сонларга қўшилиб, бўлиш, тақсимлаш маъносини англатувчи тақсим сон шаклини ҳосил қилади: *бештадан, учтадан, ўнтадан* каби.

дар- [*ф.* در — -да, ичида, давомида; бўйлаб] форс тилидан тайёр ҳолда ўзлашган *даргумон, дарғазаб, дарҳақиқат, дарҳол* каби сўзлар таркибида ажратилади; ўзи қўшилган асос англатган тушунчага эгалик, шу нарса қуршовида бўлиш маъноларини билдиради; **-ли, -да** қўшимчаларининг маъносига тўғри келади. Қиёс.: *даргумон // гумонли // гумонда; дарҳақиқат // ҳақиқатда.*

-дек // -дай *қ.* **-дай** // **-дек**.

-ди ҳаракатнинг ҳозирги-келаси, келаси ёки ўтган замонда бажарилганлиги ёки бажарилажагини кўрсатадиган тусловчи аффикс: *ишлайди, ўқийди; ёзади, теради; ёзди, келди, ўқиди* каби. Бу қўшимча **-ар** аффикси воситасида ясалган сифатдошларга қўшилиб, давомлилик, такрорланиш каби маъно англатувчи шакл ҳосил қилади: *борарди, келарди, кўрарди, сузарди, ташларди* каби.

-диган равишдош шаклидан келаси замон сифатдоши шаклини ҳосил қилади: *ёзадиган, келадиган, ўқийдиган* каби.

-дик шеъриятда, сўзлашув нутқида баъзан **эдик** феъли (I шахс кўплик) **-ар** аффикси воситасида ясалган сифатдошлардан сўнг **-дик** шаклида ишлатилади ва давомийлик, такрорланганлик маъносини билдиради: *ёзардик, келардик, турардик, ўқирдик.*

-дин ҳозирги **-дан** шаклининг архаик кўриниши.

-дир I III шахс бирликдаги кесимлик аффикси; феълдан бошқа сўз туркумларига қўшилиб, айни вазифани бажаради: акам *инженердир,* синглим *учувчидир*, укам *ўқувчидир* каби.

-дир II сўзларга қўшилиб, гумон, тахмин, ишонмаслик маъноларини ҳосил қилади: *бажаргандир, боргандир* (борган бўлса керак), *келгандир*, *студентдир* (студент бўлса керак), *тургандир*, *ўқигандир* каби.

-дир III сўроқ олмошларига қўшилиб, ноаниқ шахс, предмет, белги маъноларини англатувчи гумон олмоши шаклини ясайди: *кимдандир, кимдир, нимадир, қаердандир, қаердир, қандайдир* каби.

-дир IV феъл асосларига қўшилиб, унинг орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *ёздир, кулдир, кўндир, олдир, толдир, тўлдир*. Жарангсиз ундошдан сўнг **-тир** шаклида айтилади ва ёзилади (*қ.* **-тир**). Лекин **н, л** товушлари билан битган кўп бўғинли сўзларда **-дир** эмас, **-тир** қўлланади: *чўмилтир, қувонтир.*

-диқ айрим феъллардангина от ясайди: *ташландиқ, топилдиқ, қолдиқ, қоқиндиқ, қувондиқ* (асли сифатдош), *ҳордиқ.*

-дон I [*ф.* دان – бирор нарса сақланадиган идиш маъносидаги қўшимча] отларга қўшилиб, бирор предметни сақлаш учун хосланган нарса, идиш оти ясайди: *гулдон, кулдон, сиёҳдон, сувдон, сурмадон, туздон, ўқдон, қаламдон* каби.

-дон II [*ф.* دان – билувчи; دانستن – «билмоқ, хабардор бўлмоқ; ўрганмоқ; билиб олмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, «билувчи» маъносидаги, шахснинг характерини, хусусияти, белгисини кўрсатувчи сифат ясайди: *билимдон, гапдон, қадрдон, ҳисобдон.*

-дор [*ф.* دار – эга бўлувчи; сақловчи, қўриқловчи; داشتن – «бирор нарсага эга бўлмоқ, эгалламоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] асосан от туркумидаги сўзлардан қуйидаги маъноли сифатлар ясайди: 1) отларга қўшилиб, шу сўз орқали ифодаланган предметга эгаликни, ўша маънодаги нарса ёки ҳодисанинг мавжудлигини англатади: *айбдор* (киши), *байроқдор, диндор* (одам), *нишондор, рангдор* (чит), *қарздор* (одам), *ҳомиладор* (аёл); 2) сўз асосидан англашилган тушунчанинг (предмет, хусусиятнинг) ортиқлигини, катталигини билдирувчи сифатлар ясайди: *гўштдор, донгдор, жаҳлдор, пулдор, ширадор, ҳосилдор, ҳусндор* каби.

-дош отлардан биргалик, шериклик, умумийлик каби маъно англатувчи от (шахс оти) ясайди: *ватандош, замондош, йўлдош, курсдош, синфдош, фикрдош, қариндош, қуролдош.*

-доқ I буйруқ феъли шаклидан нарса оти ясайди: *қовурдоқ, қўндоқ.*

-доқ II *у, бу, шу* кўрсатиш олмошларидан *ундоқ, бундоқ, шундоқ* каби сифатлар ясайди (кўпроқ сўзлашув нутқида учрайди).

-дўз [*ф.* دوز – тикувчи; دوختن – «тикмоқ, тикиб қўймоқ, чатмоқ, чокламоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] асосдан англашилган предметни тикувчи ҳунарманд маъносидаги от ясайди: *дўппидўз, зардўз, каштадўз, мўйнадўз, чопондўз, этикдўз.*

-ётган унли билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, ҳаракатнинг давомийлигини билдирувчи сифатдошнинг ҳозирги замон шаклини ҳосил қилади: *бораётган, келаётган, сўзлаётган, чиқаётган, ўқиётган* каби.

-ётир равишдош шаклига қўшилиб, ҳаракатнинг давомийлигини англатувчи феълнинг ҳозирги замон шаклини ҳосил қилади: *бораётирман, бораётирсан, бораётир* каби.

-жон I аффиксоид, асосан, atoқли отлар, қавм-қариндошлик терминларига қўшилиб, эркалатиш, ўрни билан кесатиш маъносини билдиради: *дадажон, онажон, тоғажон, укажон; Набижон, Қосимжон* каби; *бақлажон, маймунжон, патинжон* каби отлардаги **-жон** бошқа функциядаги омоним аффиксдир.

-жон II [*ф.* جان – қалб, дил; руҳ] турли сўз туркумларига оид бирликлардан сифат ясайди (бундай сўзларнинг баъзилари форсча изофалардан иборат): *жонажон, нимжон, оромижон, роҳатижон, қақажон.*

-зор [*ф.* زار – бирор нарса кўп бўлган жой маъносини ифодаловчи қўшимча] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг кўп тўпланган ёки мўл бўлган ўрнини билдирадиган отлар ясайди: *бодомзор, гулзор, илонзор, олмазор, пахтазор, узумзор, чакалакзор. қамишзор.*

-и I айрим сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ ҳаракатнинг амалга ошишини билдирувчи феъллар ҳосил қилади: *бойимоқ, тинчимоқ, чангимоқ.*

-и II [*ф.* ی – ёйи нисбат, яъни айрим нисбий сўзлар ясовчи қўшимча] бошқа тиллардан кирган сўзларда учрайди, одатда, ўрин-жойга муносабатни билдирувчи сифат ясайди: *кашмири, кобили, самарқанди, хитойи* каби.

-и III ундош товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг III шахс бирлик ёки кўпликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси: *ватани, дўсти, китоби, қалби* каби. Уларда асосан кўплик маъноси ўзи-

дан олдин келган **-лар** орқали ифодаланади: *дўстлари, китоблари, қаламлари* каби.

-иб ундош билан тугаган асослардан феълнинг хосланган шаклини ҳосил қилади: ҳаракатни бошқа бирор ҳаракатдан олдин бажарилганлигини ёки у билан бир пайтда бажарилганлигини билдиради: *бориб* (олди), *ёзиб* (олдим), *келиб* (турди), *эшитиб* (келди), *қўзғалиб* (ўтирди) каби.

-из феъл асосидан унинг орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади. Лекин маълум фонетик шароитдагина қўлланади: *оқиз, тегиз, томиз, эмиз.*

-ий [*ф.* ی – нисбий сифат ясовчи қўшимча] 1) ундош товуш билан тугаган отлардан хослик, тааллуқлилик маъносини англатувчи нисбий сифат ясайди: *амалий, марказий, одамий, танқидий, тақлидий, шаклий* каби. Бу аффикс баъзи сўзлар таркибида ажратилади, баъзиларида эса мустақил морфема сифатида ажратилмайди: *маданий, самимий, сиёсий, ҳаққоний;* 2) топонимик номлардан ёки бошқа баъзи бир отлардан ёки сифатлардан атоқли отлар (лақаблар) ясайди: *Хоразмий, Навоий, Муқимий, Чустий* каби. Бу аффикс билан ясалган сўзлар пассив бўлиб, шоир, олим ва ёзувчиларнинг фамилиясини ҳам кўрсатади: *Амин Умарий (Умаров), Душан Файзий (Файзиев), Жалол Икромий (Икромов), Раҳмат Файзий (Файзиев), Юнус Ражабий (Ражабов).*

-ик I ундош билан тугалланувчи феъл асосларига қўшилиб, от ва сифатлар ясайди: *кесик, кўрик, тешик, ўлик.*

-ик II турли сўз туркумларидан феъл ясайди: *бирикмоқ, ичикмоқ, кечикмоқ, кўзикмоқ* каби.

-ил ундош билан тугаган сўзлардан феълнинг мажҳул нисбат шаклини, баъзан эса ўзлик нисбат шаклини ҳосил қилади: *айтилди, борилди, етилди, отилди, сурилди;* **-ил** аффиксининг ўзлик нисбатда ёки мажҳул нисбатда эканлиги кўп ҳолларда умумий матнда билинади (*қ.* **-ин, -л, -н**).

-илдоқ тақлидий сўзлардан от ва сифат ясайди: *бижилдоқ, бизилдоқ, жикилдоқ, ликилдоқ, пирилдоқ, пирсилдоқ, пўрсилдоқ, сўлқилдоқ, хирилдоқ, шақилдоқ, шилпилдоқ, ҳиқилдоқ* каби.

-илла тақлидий сўзлар асосидан англашилган маъно билан боғлиқ ҳаракатнинг амалга оширишни билдирувчи феъллар ҳосил қилади: *акилламоқ, визилламоқ, ғизилламоқ, диркилламоқ, лопилламоқ, серкилламоқ, чирқилламоқ, шивилламоқ, қарсилламоқ* каби. *Увилламоқ, шувилламоқ, ҳувилламоқ* каби ясалмалар имлоси ҳануз тўлиқ меъёрлаштирилмаган: *ловулламоқ // ловилламоқ, шувулламоқ // шувилламоқ.*

-им I ундош билан тугаган феъл асосларидан жараён, ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган фаолият отларини ясайди: *билим, босим, бўлим, кесим, кийим, кирим, кўчим, терим, тилим, тиним, чиқим, ўлим, ўрим, қочирим, қўним.*

-им II сифатлар ва даража-миқдор равишлари ясайди: *айрим, сиқим, чеким, қисим* каби.

-им III ундош товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг I шахс бирликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси: *боғим, ватаним китобим, кўзим, уйим, фикрим, шаҳрим.*

-имиз (**-им + -из**) ундош товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг I шахс кўпликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси: *китобимиз, мактабимиз, юртимиз* каби.

-имтил *қ.* **-имтир.**

-имтир ранг-тус билдирувчи сифатларга қўшилиб, белгининг кучсизлигини, камлигини билдирувчи сифат шаклини ясайди: *кўкимтир, оқимтир, сарғимтир, қизғимтир.* Бу аффикс баъзан **-имтил** шаклида ҳам келади: *кўкимтир // кўкимтил* каби.

-ин I феъл асосли сўзлардан, асосдан англашилган иш-ҳаракатни амалга ошириш натижасида ҳосил бўлган отлар ясайди: *ёғин, йиғин, тиқин, экин, қўшин* каби.

-ин II от асосли сўзлардан ҳолат билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *оташин* (нутқ), *эркин* (қуш), *ғиштин* (уй) каби.

-ин III буйруқ феълларидан характер-хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *соғин* (сигир), *тўкин* (дастурхон), *тўлин* (ой), *яширин* (гап).

-ин IV ҳолат, пайтга муносабат билдирувчи жуфт равишлар ясайди: *бирин-кетин, ёзин-қишин, очин-тўқин, эртан-кечин.*

-ин V феълнинг ўзлик нисбатини, баъзан мажҳул нисбатини ҳосил қилади: *бе-*

кинмоқ, ёпинмоқ, илинмоқ, кийинмоқ, олинмоқ, тақинмоқ, чекинмоқ, ювинмоқ, қилинмоқ каби (*қ.* **-л, -н, -ил**).

-ин VI *борайин, ёзайин, ўқийин* типидаги қўшилмаларда маънони кучайтирувчи элемент сифатида қўлланади.

-инг I ундош билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг II шахс бирликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимча: *мактабинг, уйинг, фикринг, юртинг, қаламинг, қошинг.*

-инг II қаратқич келишиги қўшимчаси; *мен, сен* олмошларидан сўнг **-инг** шаклида (*менинг, сенинг*) бўлади, яъни бир **-н** товуши тушиб қолади.

-инг III ундош билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, II шахс ҳурмати, баъзан эса ўша шахснинг кўплиги маъносини ифода қилади: *боринг, ёзинг, ишлатинг, келинг, кулдиринг, олинг, топинг* каби. Бу аффикснинг эгалик шакли ва тусловчи аффикс ҳолатлари (*кўзинг – кўринг*) тарихий жиҳатдан алоқадор: булар бир манбага эга.

-ингиз I (**-инг + -из**) иккинчи шахс эгалик аффиксининг кўплиги. Ундош билан тугаган сўзларга қўшилиб, асосдан англашилувчи II шахс кўпликка нисбат берилаётганини ифодалайди: *ватанингиз, дўстингиз, китобингиз, сўзингиз, уйингиз* каби.

-ингиз II ундош билан тугаган феъл асосларидан буйруқ майлининг II шахс кўплик шаклини ҳосил қилади: *айтингиз, ёзингиз, келингиз, чалингиз, ўтирингиз.* Бунда ўрни билан ҳурмат маъноси ҳам бўлиши мумкин. Нутқда кўпинча **-инглар** шакли қўлланади: *айтинглар, келинглар.*

-инди феъл асосларига қўшилиб, айни феъл билдирган ҳаракат натижасида пайдо бўлган предметни билдиради, натижа оти ясайди: *йиғинди, куйинди, оқинди, супуринди, чиқинди, чўкинди, ювинди, қиринди* каби (*қ.* **-нди**).

-инчи ундош билан тугаган саноқ сонларга қўшилиб, кетма-кетлик маъносини англатувчи тартиб сон шаклини ҳосил қилади: *бешинчи, биринчи, учинчи, юзинчи, ўнинчи, қирқинчи* каби (*қ.* **-нчи**).

-ир I от ва тақлидий сўзлардан феъл ясайди, сўз асосидан англашилган маъно билан боғлиқ бўлган ҳаракатни бажаришни билдиради: *гапир, тупир, шопир* каби.

-ир II 1) тақлидий сўзларга қўшилиб, унинг кенгайган шаклини ҳосил қилади: *тақ-тақ – тақир-тақир* каби; 2) феълларга қўшилиб, орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *битирмоқ, ичирмоқ, кўчирмоқ, очирмоқ, оширмоқ, пиширмоқ, ўчирмоқ, қочирмоқ.*

-ира ундош билан тугаган баъзи тақлид сўзлардан ўша товуш ёки ҳолат билан характерланадиган ишни бажариш маъносидаги феъл ясайди: *гуркира, милтира, шарқира, ярқира.*

-истон [*ф.* ستان – «эгалловчи» маъносини билдирувчи қўшимча] 1) халқ, миллат номига қўшилиб, у яшайдиган жойни англатувчи ўрин оти ясайди: *Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Фарангистон* каби; 2) отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг мўллигини, маконини ифодаловчи ўрин оти ясайди: *гулистон, қабристон* каби.

-иш I ундош билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, ҳаракат номини ҳосил қилади: *бориш, ёзиш, келиш, кулиш, олиш, чиқиш, экиш, юриш, ўтиш* каби.

-иш II феълларга қўшилиб, бирдан ортиқ бажарувчи томонидан бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи биргалик нисбатини ҳосил қилади: *ёзишди, жўнатишди, кўришди, кўтаришди, текширишди, тикишди, чиқишди, экишди, ярашишди, қазишди.*

-иш III ранг-тус билдирувчи сифатларга қўшилиб, белгининг меъёрий даражага етмаганлигини, камлигини ифодаловчи сифат шаклларини ясайди: *кўкиш, оқиш, сарғиш.*

-ият (**-ий + -(й)ат**) [*а.* يّت – нисбий сифатлардан от ясовчи қўшимча] араб тилидан ўзлашган мавҳум отларда гўё сўз ясовчи сифатида ажралади, лекин у ўзбек тилида сўз ясамайди: *заруриат, имконият, инсоният, мажбурият, масъулият, мағлубият, қобилият* ва бошқалар.

-иқ I ундош билан тугаган феъллардан турли маънодаги отлар ясайди: *ёриқ, солиқ, тортиқ, тутантириқ, чизиқ, чопиқ, қилиқ* каби.

-иқ II ундош билан тугаган феъллардан ҳолат, шакл, хусусият ифодаловчи сифатлар ясайди: *бурушиқ, синиқ, сиқиқ, тиниқ, чўзиқ, қисиқ.*

-иқ III отларга қўшилиб, бирор предметга, ҳолатга муносабат билдирувчи феъл ясайди: *йўлиқ, чиниқ* каби.

-иқ IV феълнинг буйруқ майли шаклига қўшилиб, кучайтириш, интенсивлик маъноларини шакллантиради: *толиқмоқ, қониқмоқ.*

-й I сифатларга қўшилиб, сўз асосидан англашилган ҳолатга ўтмоқ, шунга эга бўлмоқ каби маънони ифодаловчи феъл ясайди: *қорай.*

-й II унли билан тугаган феълларга қўшилиб, ҳаракатнинг белгисини билдириш вазифасида асосан такрорий равишдошлар шаклини ҳосил қилади: *йиғлай-йиғлай, сўрай-сўрай* каби.

-й III феълларга қўшилиб, сўзловчининг ҳаракатни бажаришга бўлган истак майлининг I шахс бирлик шаклини ҳосил қилади: ундошлардан кейин қўшилганда **-а** боғловчиси билан келади: *бошлай, ташлай, ўқий; бор(а)й, кел(а)й.*

-йин (-айин) феълларга қўшилиб, сўзловчининг ҳаракатни бажариш истагини ифодаловчи буйруқ-истак майли шаклини ҳосил қилади: *борайин, кўзлайин, сўзлайин* каби.

-к I унли билан тугаган феъл асосларидан нарса-қурол, натижа ёки ҳолат оти ясайди: *безак, истак, курак, тилак, тўшак, элак.*

-к II тақлидий сўзлардан ясалган феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатни бажарувчи предметлар номини ясайди: *бизбизак, гулдурак, пирпирак.*

-к III ўтган замон III шахс бирлигига қўшилиб, ўтган замон феълининг I шахс кўплиги шаклини ҳосил қилади: *бордик, ёздик, келдик, ўқидик* каби.

-ка I айрим отлардан феъл ясайди: *иска* (искабтопар).

-ка II отлар таркибида келиб, кичрайтиш маъносини билдиради: *йўлка.*

-ка III феълнинг кучайтирувчи аффикси бўлиб келади: *суркамоқ.*

-ка IV *к, г* товушлари билан тугаган сўзларга қўшиладиган жўналиш келишиги қўшимчаси бўлиб, ўзи қўшилган асоснинг маъносига кўра йўналиш, объект, ўрин, пайт каби маъно оттенкаларини ифодалайди: *илгакка, малакка, чангакка, эркакка, эшакка, ўрдакка, ҳандалакка; барккa.*

-каз жарангсиз ундош билан тугаган феълларга қўшилиб, феълнинг бошқа шахс ёки нарса томонидан бажарилган ҳаракат маъносини ифодаловчи орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *етказ, кетказ, ўтказ* каби.

-кали *к, г* ундошлари билан тугаган сўзларга қўшилиб, мақсад равишдоши шаклини ҳосил қилади: *теккали, чўккали, эккали* (*қ.* **-гали, -қали**).

-кан I феълнинг ҳаракат ёки ҳолат ифодаловчи сифатдош шаклини ҳосил қилади: *буккан, теккан, тўккан, чеккан, эккан* каби (*қ.* **-ган, -қан**).

-кан II оғзаки нутқда **экан** тўлиқсиз феълининг қисқарган шаклида намоён бўлади ва у бажарган вазифани бажаради: *бораркан* (*қиёс.*: *борар экан*), *келаркан* (*қиёс.*: *келар экан*).

-кани *к, г* билан тугаган феъл асосларидан мақсад билдирувчи равишдош шаклини ясайди: *буккани, чеккани, эккани.*

-канча феъл асосларига қўшилиб, бирор ҳаракатнинг юзага келишига қадар иккинчи ҳаракатнинг бажарилишини кўрсатишга хизмат қилувчи пайт равишдоши шаклини ҳосил қилади: *текканча, тўкканча, экканча.*

-кар жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга қўшилиб, касб-ҳунар билан боғлиқ шахс отлари ясайди: *мискар* каби (*қ.* **-гар, -кор**).

-кач феълнинг пайт маъносини билдирувчи равишдош шаклини ҳосил қилиб, ҳаракатнинг ўзи билдирган ҳаракатдан кейин бажарилишини англатади: *теккач, тўккач, эккач* каби.

-кача *г, к* товушлари билан тугаган сўзларга қўшилиб, пайт-чегара маъносини билдирувчи равиш ҳосил қилади: *барккача, зиракача, токкача, узуккача* каби (*қ.* -**гача,** -**қача**).

-каш I [*ф.* كش – от ясовчи қўшимча; كشيدن – «тортмоқ, чекмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] 1) отларга қўшилиб, касб-ҳунар эгаси бўлган шахс оти ясайди: *аравакаш, киракаш, пахсакаш, чизмакаш, чилдирмакаш, қаламкаш* (*қ.* **-чи**); 2) бирор нарса чекувчи, бирор воқеа-ҳодисани боши-

дан ўтказган, ўтказаётган киши маъноларидаги отлар ясайди: *носкаш, чилимкаш; балокаш, заҳматкаш.*

-каш II от туркумидаги сўзлардан инсонга хос турли хусусият, ҳолат каби белгиларни билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *дилкаш, жафокаш, пасткаш, сусткаш.*

-ки I феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракат натижасида вужудга келувчи жараён отларини ясайди: *кўчки, тепки, туртки* каби.

-ки II от, сифат ва равиш туркумидаги сўзларга қўшилиб, пайт ва ўринга муносабатни билдирувчи сифат ҳосил қилади: *ички, кечки, остки, пастки, сояки, устки, юзаки, қишки.*

-ки III кучайтириш, таъкид маъноларини англатиш учун қўлланувчи грамматик шакл: *афсуски, демакки, жамики, наҳотки, нимаики, хайриятки, ҳаттоки, ҳолбуки* каби.

-киз жарангсиз ундош билан тугаган феъл асосига қўшилиб, бошқа шахс ёки нарса томонидан бажарилган ҳаракатни англатувчи орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *еткиз, кеткиз, ўткиз* каби (*қ.* **-газ, -гиз, -қаз, -қиз, -ғаз, -ғиз**).

-ким *қ.* **-ки**.

-кин I буйруқ феълидан ҳолат маъносини англатувчи сифат ясайди: *кескин* (*қ.* **-гин, -қин, -ғин**).

-кин II *г, к* товуши билан тугаган II шахс феълларига қўшилиб, таъкид, кучайтириш каби маъноларни беради: *теккин, тўккин, эккин* каби (*қ.* **-гин, -қин** II, **-ғин** I).

-кин III оғзаки нутқда **экан** тўлиқсиз феъли вазифасида ишлатилади: *борармикин // борар эканми, ёзармикин // ёзар эканми* каби.

-кина I *г, к* товуши билан тугаган от ва бошқа сўзларга қўшилиб, кичрайтиш-эркалаш маъносини ифодалайди: *билаккина, гўдаккина, эркаккина* каби (*қ.* **-гина, -қина**). Бу аффикс урғули бўлиб, урғусиз ҳолатда чегаралаш, таъкидлаш, ажратиш каби вазифаларда келувчи юкламадир.

-кина II сифатларга қўшилиб, субъектнинг шахсий модал муносабатини ифодалайди: *кичиккина, нозиккина, пастаккина, сергаккина.*

-кир феълларнинг буйруқ шаклига қўшилиб, асосдан англашилган иш-ҳаракат ёки хусусиятда ортиқлик маъносини англатувчи сифат ясайди: *кескир, ўткир.*

-кич жарангсиз ундош товуш билан тугаган феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатни амалга оширувчи нарса-қурол оти ясайди: *кескич, кукунлаткич, кўрсаткич, сепкич, совуткич, тепкич* каби (*қ.* **-гич, -қич, -ғич**).

-кор I [*ф.* كار – иш; меҳнат, фаолият, қилмиш, хатти-ҳаракат] касб эгаси, мутахассислик, машғулот билан боғлиқ бўлган шахс оти ясайди: *бинокор, халоскор, хизматкор* каби (*қ.* **-гар, -кар**).

-кор II от туркумидаги сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага эгалик, у тушунчанинг ортиқлигини ёки унга хослик, ўхшашлик, хусусият, ҳолат маъноларини ифодаловчи сифатлар ясайди: *нақшинкор, риёкор, фусункор, шиддаткор, ҳаваскор* каби.

-кор III [*ф.* كار – экувчи; كاريدن , كاشتن – «экмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани экувчи шахс оти ҳосил қилади: *пахтакор, шоликор, ғаллакор.*

-ку таъкидлаш ва кучайтиришни билдирадиган юклама: *бординг-ку, инсон-ку, она-ку, олдинг-ку, сен-ку, ўқидинг-ку* каби.

-кунча *к, г* ундошлари билан тугаган феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш вақтини билдирувчи равишдош шаклини ҳосил қилади: *тўккунча, чеккунча, эккунча.*

-л унли билан тугаган феълларга қўшилиб, мажҳул нисбат, баъзан эса ўзлик нисбат шаклини ҳосил қилади: *сўралди, чайқалди, ўралди, қийналди, қўзғалди* каби.

-ла I 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса билан боғлиқ ишни юзага келтириш, амалга ошириш маъноларини билдирувчи феъл ясайди: *аррала, ишла, кўзла, мойла, қишла;* 2) сифат ва равишларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳолатга, тусга эга бўлиш маъноларини ифодаловчи феъллар ясайди: *ёмонла, секинла, тезла, текисла, тикла;* 3) ундов ва тақлидий сўзларга қўшилиб, уларга хос ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб, мурожаат, товуш ёки бирор ҳолат кабиларни амалга ошириш, бажариш маъноларини билдирувчи феъллар ҳосил қилади: *додла, уфла, чуҳла, ҳиҳила; гумбурла, шитирла, ялтилла* каби. **-ла** қўшимчаси энг маҳсулдор

бўлиб, феълдан ташқари деярли барча туркумлардан феъл ясайди.

-ла II феълларга қўшилиб, ҳаракатнинг такрорланиши, кучайиши, узоқ давом этиши каби маъноларни ифодаловчи шакл ҳосил қилади: *савала, қаш(и)ла, қувла* каби.

-ла III шеъриятда **билан** кўмакчиси қисқартирилиб, **-ла** шаклида ишлатилади, алоҳида морфема сифатида ажратилади: *Қўлла* созлаб бўлмайди яратган ҳайкалимни (А.С.Пушкин «Ҳайкал»). Бу элемент феъл ясовчи **-ла** аффиксидан урғусизлиги билан ҳам фарқланиб туради. Қиёс.: *кўзла* (феъл: мўлжалламоқ) – *кўз-ла* (кўз билан: от + кўмакчи).

-лаб I турли хил сўз туркумларидан равиш ясайди, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, пайтини ва миқдорини билдиради: *атайлаб, йиллаб, кунлаб, кўплаб, ойлаб, саҳарлаб, тепалаб, яхшилаб.* Лекин **-ла + -б** шаклида бўлганда, икки аффикс саналади, бунда **-б** аффикси феълнинг равишдош шаклини ҳосил қилади: *майдалаб.*

-лаб II асосан йирик миқдор ифодаловчи саноқ сонларга қўшилиб, предметнинг ноаниқ миқдорини, тахминий ҳисобини билдирувчи чама сонлар шаклини ҳосил қилади: *ўнлаб, юзлаб, минглаб* каби.

-лай сўзларга қўшилиб, ҳаракат белгисини ифодаловчи равиш ясайди; *бутунлай, тириклай* каби. Баъзан кучайтирувчи **-ин** аффикси билан кенгаяди: *бутунлайин, тириклайин.*

-лан 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган маъно билан боғлиқ ҳаракатни амалга ошириш, бажаришни ифодаловчи феъллар ясайди: *афсуслан, завқлан, овқатлан, қаноатлан*; 2) сифат ва равишлардан белги, ҳолатни ифодаловчи ҳаракатларни (феълларни) ҳосил қилади: *асабийланмоқ, сергакланмоқ, хавотирланмоқ*. **-лан** қўшимчаси сон туркумида фақат *икки* сўзидан феъл ясайди: *иккиланмоқ.*

-лар I отларга қўшилиб, предметнинг бирдан ортиқлигини, яъни ноаниқ кўпликни кўрсатади. **-лар** кўпликнинг морфологик кўрсаткичи бўлиб, у шакл ясовчидир: *гуллар, китоблар*, *одамлар, уйлар, қушлар.* **-лар** морфемаси кўпликдан ташқари ҳурмат, кесатиш, муболаға каби маъноларни ҳам билдиради.

-лар II 1) атоқли отларга қўшилиб, кўплик + ўхшашлик, алоқадорлик, қуршов оттенкали отлар ясайди: *Алишерлар, Фарҳодлар*; 2) жой номларини англатувчи атоқли отларга қўшилиб, шу жой қуршовида бўлган каттароқ ҳудудни билдиради: *Самарқандлар, Янгийўллар*; 3) саналмайдиган нарсани англатувчи отларга қўшилиб, «кучайтирув», «мўл-кўл» каби маъноларни ифодалайди: *баданларим, бошларим, юракларим; музлар, қумлар*; 4) баъзи сон, равиш туркумига оид сўзларга қўшилиб, чама-тахмин маъносини ифодалашга хизмат қилади: *бешталар, илгарилар, яқинларда, ўнларда* каби; 5) сифатларга қўшилиб, отлашиш вужудга келтиради: *катталар, кичиклар, яхшилар.*

-лар III бу аффикс кесимнинг эга билан сонда мослашувини кўрсатганда, синтактик вазифа бажаради ва сўз ўзгартувчи саналади: *Болалар йиғилдилар.*

-лари 1) отларга қўшилиб, III шахс кўплигининг нейтрал шаклини ҳосил қилади; 2) отларга қўшилиб, III шахс бирлигининг сизлаш шаклини ҳосил қилади. Қиёс.: Алишернинг *укалари* (кўплик ёки сизлаш).

-ларча (**-лар +-ча**) сўзларга қўшилиб, ҳаракатнинг қай тарзда бажарилиши, ҳаракат ва белгининг ўхшашлиги каби маъноларни англатувчи равишлар ҳосил қилади: *болаларча, ваҳшийларча, дўстларча, мардларча, оталарча, телбаларча, ўртоқларча, қадрдонларча* каби.

-лаш 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ ҳаракатни бажариш маъносидаги феъллар ясайди: *гаплашмоқ, дўстлашмоқ, савдолашмоқ, суҳбатлашмоқ;* 2) сифат ва равишлардан феъллар ясайди: *асабийлашмоқ, йириклашмоқ, осонлашмоқ, тезлашмоқ, яқинлашмоқ* каби.

-лаштириш (**-ла + -ш + -тир + -иш**) тўрт морфеманинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма аффикс; рус тили орқали ўзлашган сўзлар таркибидаги **-изация, -фикация** каби аффиксларни калькалаштириш натижасида келиб чиққан: *автоматлаштириш, газлаштириш, радиолаштириш, экранлаштириш, электрлаштириш* каби.

-ли отларга қўшилиб, сўз ўзагидан англашилган маънога эга эканликни ёки ўша маъноли нарса, ҳодисанинг мавжудлигини, ортиқлигини билдирувчи сифат ясайди: *ақлли, виждонли, кучли, мазали, мевали, тузли,*

шакарли каби. Бу қўшимча жуфт сўзларга, қўшма сўзларга ва ибораларга қўшилиб, сифатлар ясайди: *ақлли-ҳушли, қўлли-оёқли; тўла қонли, тўрт бурчакли.* **-(а)р** билан ясалган сифатдошларга қўшилиб, «шу ҳолатга эгалик, шунга мос, арзийдиган» деган маънони ифодалайди: *айтарли, етарли, тушунарли, қониқарли.*

-лик I турли хил сўз туркумларига қўшилиб, мавҳум маъноли от ясайди (белги оти): *болалик, ботирлик, дўстлик, ёлғизлик, заргарлик, оналик, талабалик, тезлик, эскилик, янгилик, яхшилик*. Баъзан аниқ предмет отини ясайди: *дарслик, кундалик, ичимлик, ширинлик.* Географик номларга қўшилганда, шахснинг ўша ерга тегишли эканлиги, у ерлик эканлиги англашилади: *андижонлик, тошкентлик, қишлоқлик* каби.

-лик II шахс отларига қўшилиб, алоқадорлик, мансубликни билдирувчи сифатлар ясайди: *атторлик* (касби), *темирчилик* (устахонаси). Айрим турдош отларга қўшилиб, характер-хусусият билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *болалик* (чоғлар), *кўйлаклик* (чит).

-лик III ҳаракат номларига қўшилганда, маънони бир оз кучайтиради, таъкид билдиради: *айтишлик, бормоқлик, демаклик, ёзмоқлик.* Бундай ҳолларда у маъно ва вазифасига кўра шакл ясовчи аффиксга тўғри келади.

-лиқ I турли хил сўз туркумларидан мавҳум маъноли от ясайди: *айрилиқ, борлиқ, бошлиқ, бўшлиқ, йўқлиқ, отлиқ, оқлиқ* каби.

-лиқ II отларга қўшилиб, ўша отдан англашилган предметнинг ўрни, жойи, шунингдек, идиш маъносини билдиради: *Бўстонлиқ, Олмалиқ, тузлиқ* (тузлуқ) каби.

-лиқ III *-иқ, -иғ* аффикслари ҳамда **-ган** морфемаси воситасида ясалган сўзлар (*осиғ // осилган, ёпиқ // ёпилган*) англатган маънода келиб, предмет ҳолатини кўрсатувчи сифат ҳосил қилади: *ёпиқлиқ* (қозон), *осиғлиқ* (қозон), *солиғлиқ.*

-лоқ I отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг ўрнини, баъзан шу ўринда (жойда) ўша предметнинг мўллиги маъносини англатади: *сувлоқ, тошлоқ, ўтлоқ, қумлоқ.*

-лоқ II от, сифат туркумидаги сўзлардан ҳолат, хусусият каби маъноларни ифодаловчи сифат ясайди: *бақалоқ* (одам), *овлоқ* (жой), *қатқалоқ* (йўл) каби. **-лоқ** билан ясалган сифатлар от вазифасида ҳам қўлланади.

-лоқ III отларга қўшилиб, модаллик шаклини ҳосил қилади; кичрайтириш ва эркалаш маъносини билдиради: *бўталоқ, тойлоқ, чақалоқ, қизалоқ.*

-луқ: *тузлуқ* (қ. **-лиқ**).

-м I унли товуш билан тугаган феъл асосларидан: 1) ҳолат оти (*алдам*, *чидам*); 2) ҳаракат натижаси оти (*тўплам, тўғрам*); 3) миқдор англатувчи отлар (*дамлам, тишлам, ҳўплам*) ясайди.

-м II унли товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг I шахс бирликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик аффикси: *болам, кўрпам, онам, отам, тоғам.*

-м III феълдан ифодаланган ҳаракат ва ҳолатни бажарувчи шахсни билдирувчи, I шахсга оид шахс-сон аффикси: *ёздим, келдим кўрдим,, олдим, севдим, ўқидим* каби.

-ма I феълдан от ва сифат ҳосил қилувчи урғули морфема: *бостирма, газлама, димлама, йўқлама, сузма, терлама, тугма, юклама, қотирма, қўлёзма.*

-ма II 1) феълларга қўшилиб, иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган белгини билдирувчи сифатлар ясайди: *осма, сочма, тизма, улама, эзма, ясама, қовурма;* 2) ўтимсиз феълларга қўшилиб, хусусият, хосса, ҳолат, шакл, усул билдирувчи сифатлар ясайди: *айланма, қотма, ҳовлиқма;* 3) тақлидий сўзлардан **-илла** билан ясалган феълларга қўшилиб, хусусият билдирувчи сифат ҳосил қилади: *ланғиллама* (чўғ), *қирчиллама* (совуқ), *ғирчиллама* (қор).

-ма III такрор шаклдаги равишларнинг биринчи қисми таркибида келиб, ҳолат, ҳаракатнинг белгисини билдириш учун хизмат қилади: *бирма-бир, ёнма-ён, йилма-йил, кетма-кет, устма-уст, қўлма-қўл* каби. Ушбу аффикс форсча ﺑ «ба» қўшимчаси таъсирида пайдо бўлган. Қиёс.: *даража-бадаража // даражама-даража* ва ш.к.

-ма IV феълнинг бўлишсиз шакли кўрсаткичи сифатида ажратиладиган урғусиз аффиксдир. Инкор, тақиқлаш, огоҳлантириш, тахмин каби маъноларни англатади: *бормади, ёзмади, кўрмади, ўқимади; тегма, яқинлашма; (олов ўчиб қолган) бўлмасин* каби.

-ман кесимларда I шахс бирлигини кўрсатадиган шакл ясовчи аффикс: 1) феълларда: *бажараман, бораман, ишлайман, кўзлайман, сузаман* каби; 2) бошқа сўзларда: *биттаман, деҳқонман, ишчиман, каттаман, яхшиман*. Биринчи ҳолатдаги **-ман** урғули бўлиб, кейингиси урғусиздир.

-манд отларга қўшилиб, сўз асосидан англашилган предмет маъносига эга эканлик, ортиқлик, давомийлик маъноларини ва хусусият, ҳолат каби белгиларни ифодаловчи, шахсга хос сифатлар ясайди: *аёлманд, давлатманд, дардманд, иштиёқманд* каби. Бу қўшимча ва унинг **-ванд** шакли орқали ясалган сифатларнинг баъзилари от туркумига оид сўзлар вазифасида қўлланади: *нашаванд, ҳунарманд* каби. Бу қўшимча билан ясалган баъзи сўзлар отлар олдида келганда, сифат каби қўлланади, лекин кўпинча шахс оти бўлиб қўлланади: *давлатманд, ихлосманд*.

-мас (**-ма + -с**) I *-(а)р* аффикси воситасида ясалган сифатдошнинг бўлишсиз шаклини ҳосил қилади: *билмас, кўрмас, сезмас, топмас, тўймас, ўзгармас, қўрқмас*. Бу морфема сифатдош таркибида келиб, айрим ажратилади. Редупликация йўли билан ясалган равишларда ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин: *айтар-айтмас, билар-билмас* (гапиради), *эшитар-эшитмас* каби.

-мас II баъзи сўзларда **-ган** шаклли сифатдошдан кейин **эмас** тўлиқсиз феълининг қисқарган шакли сифатида ажратилади. Бу, одатда, оғзаки нутқда, шеъриятда учрайди. Қиёс.: *ёзганмас//ёзган эмас, келганмас//келган эмас, ёмонмас, одаммас, сузганмас//сузган эмас; юрганмас//юрган эмас, яхшимас* каби оғзаки нутққа хос қўлланишларда айни ҳолат кузатилади.

-масдан *-(и)б* шаклли равишдошларнинг бўлишсиз шаклини ясайди: *билмасдан, кўрмасдан, қўрқмасдан*.

-маслик (**-ма + -с + -лик**) феълга қўшилиб, ҳаракат, ҳолат номи ясайди: мавҳум маъноли сўз ҳосил қилади: *ишламаслик, кўрсатмаслик, қўрқмаслик* каби.

-миз I унли билан тугаган отлардан кейин қўшилувчи I шахс эгалик аффиксининг кўплик шакли: *акамиз, онамиз, опамиз, отамиз, тоғамиз*.

-миз II феълдан ифодаланган ҳаракат ва ҳолатни бажарувчи I шахснинг кўплигини кўрсатувчи тусловчи аффикс: *борамиз, ёзамиз, кўрамиз, сузамиз, топамиз, юрамиз*; худди шу вазифада феъл бўлмаган сўзларга ҳам қўшилиб келади. Лекин бунда урғусизлиги билан ҳам фарқланади: *ишчимиз, педагогмиз, талабамиз* каби.

-миш I эски ўзбек тилида ўтган замон сифатдошининг кўрсаткичи бўлган бу шакл ясовчи аффикс ҳозирда сўзлар таркибида ажралмайди: *ўтмиш* (йил), *қилмиш-қидирмиш*.

-миш II *эмиш* тўлиқсиз феълининг қисқарган шакли бўлиб, сифатдошларга қўшилганда, гумон, ишончсизлик маъноларини ифодалайди: *борганмиш, ёзганмиш*.

-мон *-ар* шаклли феълларга қўшилиб, асосдан англашилган маънонинг ортиқлигини ифодалаб, характер-хусусият билдирувчи ва айни пайтда кесатиқ, киноя каби маъноларни ҳам ифодаловчи сифатларни ҳосил қилади: *билармон, ишбузармон, устабузармон, ўлармон*.

-моқ I феълларга қўшилиб, нарса-предмет оти ясайди: *илмоқ, тўқмоқ, чақмоқ, қуймоқ* каби.

-моқ II феъллардан ҳаракат номи шаклини ҳосил қилади: *бошламоқ, ёшламоқ, ишламоқ, ташламоқ, яшамоқ*.

-моқда (**-моқ + -да**) феъл асосларига қўшилиб, ҳозирги замон давом феъли шаклини ҳосил қилади: *бошламоқда, ёзмоқда, ишламоқда, яшамоқда, ўқимоқда*.

-**моқлик** (**-моқ + -лик**) (*қ*. **-моқ,** -**лик** III): *ўқимоқлик*.

-моқчи феълларга қўшилиб, келаси замон мақсад маъносини ифодаловчи феъл шаклини ҳосил қилади: *бормоқчи, кетмоқчи, ўқимоқчи* каби.

-мтир (**-имтир**) ранг-тус билдирувчи сифатларга, яъни унли билан тугаган сифатларга **-мтир**, ундош билан тугаган сифатларга **-имтир** шаклида қўшилиб, белгининг меъёрий даражага етмаганлигини, пастлигини билдирувчи сифат шаклларини ҳосил қилади: *кўкимтир, оқимтир, сарғимтир, қизғимтир, қорамтир*.

-н I феълнинг ўзлик, баъзан эса мажҳул нисбат шаклини ҳосил қилади: *кавшанди, мақтанди, сўзланди, тайёрланди, таранди, ўқланди* (*қ*. **-ин, -ил, -л**).

-н II шеърий асарларда баъзан III шахс эгалик аффиксидан сўнг қўшилган тушум

(**-ни**) ва қаратқич (**-нинг**) келишиги кўрсаткичи сифатида қўлланади: Чиройлидир гўё ёш келин, икки дарё ювар *кокилин* (кокилини). (Ҳ. Олимжон). Ҳар оила *ўчоғин* (ўчоғининг) ўз қутлуғ тарихи бор (Ҳ. Ғулом).

-навис [*ф.* نویس — ёзувчи; نوشتن — «ёзмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани ёзиш билан шуғулланувчи шахс отини ясайди: *масалнавис, романнавис, қасиданавис, қиссанавис, ҳикоянавис.*

-намо [*ф.* نما — ташқи кўриниш, қиёфа; кўрсатувчи, намоён қилувчи] от, сифат ва сифатдошларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса, ҳодиса, ҳолат тушунчасига «ўхшаш» деган маънони берувчи сифатлар ясайди: *аёлнамо, жиннинамо, кулганнамо, мажнуннамо, олимнамо, ҳазилнамо* каби.

-нг I унли товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг II шахс бирликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси ҳисобланади: *боланг, оиланг, отанг* каби.

-нг II унли билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, II шахс кўпликдаги буйруқ майли шаклини ҳосил қилувчи тусловчи қўшимча: *бошланг, ишланг, яшанг, ўқинг.*

-нгиз (**-нг** + **-из**) I унли товуш билан тугаган отларга қўшилиб, асосдан англашилувчи предметнинг II шахс кўпликка нисбат берилаётганини ифодаловчи эгалик қўшимчаси ҳисобланади: *болангиз, мартабангиз, опангиз, орзунгиз, тоғангиз.*

-нгиз II феълларда II шахс кўплик шаклини кўрсатувчи тусловчи аффикс: *бошлангиз, ташлангиз, узмангиз* (*қ.* **-ингиз**).

-ни тушум келишиги кўрсаткичи бўлиб, ўзи қўшилган асосдан англашилган предметнинг ҳаракатни ўзига тўла олишини ифодалайди: *китобни* (ўқиди), *Салимани* (кўрди).

-ники от ёки олмошларга қўшилиб, қарашлилик маъносини англатадиган шакл ясовчи аффикс: *бизники, мактабники, меники, сизники, укамники, ўзимники* каби.

ним- [*ф.* نیم — ярим, яримта] асосан отлар олдидан қўшилиб, асосдан англашилган тушунчанинг, белгининг кучсизлигини, одатдагидан камлиги, кичиклигини билдиради: *нимжон, нимкоса, нимранг, нимпушти;* баъзи ўлчов бирликлари таркибида учраб, айни бирликнинг ярми маъносини ифодалайди: *нимчорак.*

-нинг қаратқич келишиги кўрсаткичи. Бирор предмет ёки ҳодисанинг бошқа бирор предмет ёки шахсга тегишли эканлигини билдиради: *кўзнинг қораси, Навоийнинг мероси, оиланинг аъзоси, Салиманинг куйлаши, сўзнинг кучи, қаламнинг учи* каби.

но- I [*ф.* نا — инкор маъноли сўз ясовчи олд қўшимча] 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчаларга эга эмаслик, йўқликни билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *ноилож, ноумид, ношукур, ноўрин, ноҳақ;* 2) сифатларга қўшилиб, асосдан англашилган белги, хусусият, ҳолатга эга эмаслик маъносини билдирувчи сифатлар ясайди: *нотекис, нотинч, нотўғри* каби. **но-** олд қўшимчаси билан ясалган баъзи сўзларда ясалиш учун асос бўлган сўз ўзбек тилида мустақил қўлланмайди, шу сабабли улар ажралмас ҳолга келган: *нодон, ноёб, нокас, нотавон.*

-нома [*ф.* نامه — ёзув, хат, ҳужжат] асосан турдош отлардан ёзма ҳужжат, расмий иш қоғозлари номини билдирувчи отлар ясайди: *айбнома, арзнома, ваколатнома, гувоҳнома, жангнома, йилнома, табрикнома, таклифнома, талабнома, шартнома.*

-нчи унли билан тугаган саноқ сонларга қўшилиб, кетма-кетлик маъносини англатувчи тартиб сон шаклини ҳосил қилади: *еттинчи, иккинчи, йигирманчи, олтинчи* каби (*қ.* **-инчи**).

-ов айрим саноқ сонларга қўшилиб, биргалик, жамлик, тўда, йиғинди маъноларидаги сон ҳосил қилади: *бешов, еттов, икков, олтов, тўртов, учов.*

-овлон (**-ов** + **-лон**) саноқ сонларга қўшилиб, биргалик маъносини англатувчи жамловчи сонлар шаклини ҳосил қилади: *олтовлон, тўртовлон* (*қ.* **-ов**).

-ой аёллар исмларига қўшилиб, эркалатиш маъносини билдиради: *Барчиной, Салимаой, Туйғуной* каби.

-омуз [*ф.* أمیز — қўшувчи, аралаштирувчи; аралаш, таркибида бирор нарса бўлган] отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага «ўхшаш», «аралаш» деган маъноларни берувчи, хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *маслаҳатомуз, масхараомуз, насиҳатомуз, ҳазиломуз* каби.

-он I феъллардан натижавий жараён оти ясайди: *тўзон, қўзғолон.*

-он II *-б (-иб)* билан ҳосил қилинган равишдошларга қўшилиб, кучайтириш, зудлик билан амалга оширилган ҳаракат пайтини ифодаловчи феъл шаклини ясайди: *битирибон, келибон, кўндирибон* каби.

-она от ва сифатлардан тақлид ва ўхшатиш маъносидаги ҳолат билдирувчи равишлар ясайдиган унумсиз аффикс: *айёрона, жоҳилона, мардона, разилона, шоирона, қаҳрамонона.*

-онғич феълларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатнинг кучли белгисини билдирувчи сифат ясайди: *сузонғич, тепонғич, чопонғич, қопонғич.*

-ос тақлидий сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган хусусиятга эга бўлган маъносидаги сифат ясайди: *гулдурос, чуввос, шаррос, ғуввос.*

-от [*а.* ات — арабча муаннас кўплик қўшимчаси] араб тилидан кирган сўзларнинг таркибида келиб, шу сўзларнинг кўплигини билдиради; ўзбек тилида сўз ясаш хусусиятига эга эмас: *ажойибот, ахборот, баёнот, машғулот, маҳсулот, маълумот, тартибот, ҳисобот* каби.

-оқ 1) феълларга қўшилиб, сўз асосидан англашилган маъно билан боғлиқ ҳолат, хусусият билдирувчи сифат ясайди: *бақироқ ўтироқ, қолоқ, қочоқ, қўрқоқ,* каби; 2) феълдан от ясайди: *ётоқ, ўроқ, қўноқ, қўшоқ* каби.

-паз [*ф.* پز — пиширувчи; پختن — «пиширмоқ; пишмоқ; куйдирмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] асосан, овқат, таом номларига қўшилиб, уни пишириш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахсни — касб эгасини билдиради: *кабобпаз, мантипаз, ошпаз, сомсапаз, ҳолвапаз.*

-параст [*ф.* پرست — бир нарсанинг мухлиси, унга қаттиқ берилган, уни қаттиқ севувчи] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса, ҳодисага жуда берилган, одатланган, мойиллик каби маъноларидаги, шахсга хос сифатлар ясайди: *амалпараст, мансабпараст, молпараст, хаёлпараст.*

-парвар [*ф.* پرور — тарбияловчи, ғамхўрлик қилувчи; эркаловчи] отларга қўшилиб, тарбиялаш, яхши муносабат, севиш маъноларини англатувчи сифат ясайди: *ватанпарвар, инсонпарвар, сояпарвар, тараққийпарвар.*

пеш- [*ф.* پیش — олд, олд томон; аввалги; олдиндаги] отларга қўшилиб, асос англатган тушунча (нарса, предмет)нинг олди ёки олдида маъносидаги от ва сифатлар ҳосил қилади: *пешайвон, пештахта, пешқадам* каби.

-р I айрим сифатларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳолатга ўтишни ифодаловчи феъллар ясайди: *эскирмоқ, ўзгармоқ, қисқармоқ* каби.

-р II унли товуш билан тугаган феъллардан сифатдош шаклини ясайди: *бўзлар, бошлар, ишлар, қайнар* каби (*қ.* **-ар**).

-ри феъллардан ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *бугри // букри, эгри.*

-роқ 1) сифатларга қўшилиб, белги маъносининг меъёрий даражага етмаганлигини, бир оз камлигини, айни пайтда чоғиштиришни, қиёслашни билдирувчи шакл ясовчи қўшимча: *оқроқ, совуқроқ, қалинроқ, қоронғироқ*; 2) равишларга қўшилиб, ҳаракат белгисининг у ёки бу даражасини ҳосил қилади: *тезроқ, эртароқ.*

-с бўлишсизлик шаклидаги буйруқ феълларига қўшилиб, хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *арзимас* (баҳона), *индамас* (одам), *толмас* (курашчи), *ўтмас* (пичоқ). Бундай сифатлар таркибидаги **-ма + -с** қўшимчаси ҳозирги пайтда бўлинмас қўшимча сифатида қаралиб, сифатдош ҳосил қилувчи қўшимча деб ҳисобланмоқда (*қ.* **-мас**).

-са I отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни хоҳлаш, исташ маъносидаги феъллар ясайди: *сувсамоқ* каби.

-са II феълларда шарт майли, III шахс бирлигининг кўрсаткичи: *борса*, *бошласа*, *ёзса, ишласа*, *кўрса*, *ташласа* каби.

-сан I 1) II шахс бирлигини кўрсатувчи тусловчи аффикс: *борасан, ёзасан, ишлайсан, кетасан* каби; 2) феъл таркибида кесимлик кўрсатувчи морфема сифатида ажратилади: *деҳқонсан*, *ёшсан*, *каттасан*, *одамсан*, *ўқитувчисан* каби.

сер- [*ф.* سیر — тўқ, тўйган; тўйинган; кўп, мўл; қуюқ, тўқ (ранг)] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметнинг мўллигини, шунга эга бўлишда ортиқликни англатувчи сифатлар ясовчи олд қўшимча: *сергўшт*, *серпул, серсув*, *серунум*, *сершовқин*,

серҳосил. Баъзи сўзлар таркибида **сер-** қўшимчаси асос билан бирикиб, ажралмас ҳолга келиб қолган: *сероб.*

-си II унли товуш билан тугаган сўзларга қўшилувчи эгалик аффиксининг III шахс бирлиги кўрсаткичи: *бобоси*, *онаси*, *орзуси, отаси*, *танаси*, *укаси*. Баъзан эгалик аффиксидан сўнг қўшилиб, аффиксал плеоназм яратади: *бириси*, *ярмиси*, *синглиси* каби.

-сиз I отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарса, ҳодиса, ҳолатнинг йўқлиги ёки камлигини билдирувчи сифатлар ясайди: *ақлсиз*, *билимсиз*, *ёғсиз*, *жонсиз*, *илмсиз*, *мазасиз*, *онгсиз, режасиз*, *сабабсиз*, *сўзсиз*, *тажрибасиз*, *тузсиз*, *ҳаракатсиз.*

-сиз II 1) II шахс кўплик шаклини ҳосил қилувчи тусловчи аффикс: *борасиз*, *ёзасиз* каби; 2) феълдан бошқа сўз туркумларида кесимлик аффикси саналади ва тусловчи қўшимча ҳисобланади: *каттасиз*, *одамсиз*, *яхшисиз*, *ўқитувчисиз* каби (*қ*. **-ман, -сан**). Юқоридаги икки хил **-сиз** аффикси урғу орқали фарқланади. Масалан, *одамсиз* (хона) – *одамсиз* (сиз яхши одамсиз). Баъзан отдан бошқа сўзларга ҳам қўшилади: *тенгсиз* (тенги йўқ).

-симон асосан отларга қўшилиб, «шу асосга ўхшаш» маъносидаги, хусусият, шакл билдирувчи сифатлар ясайди: *газсимон, ёйсимон, кумушсимон, одамсимон*, *тухумсимон*, *қалқонсимон*, *ҳалқасимон* каби.

-син феълларда буйруқ майлининг III шахс бирлиги кўрсаткичи бўлиб, II шахс орқали буюриш, огоҳлантириш, истак, илтимос ва бошқа маъноларни ифодалайди: *борсин*, *ишласин*, *келсин*, *ўқисин* каби.

-сира I отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсага эҳтиёж, шуни исташ, шунга мойиллик каби маъноларни англатадиган феъл ясовчи унумсиз аффикс: *сувсира*, *тузсира*, *уйқусира, қонсира.*

-сира II баъзи кишилик олмошларига қўшилиб, **сен** ёки **сиз** деб гапиришни ифодаловчи феъллар ҳосил қилади: *сенсира, сизсира* каби.

-соз [*ф*. ساز – қурувчи; ساختن – «яратмоқ, ишлаб чиқармоқ; қурмоқ, таъмирламоқ, тузатмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани қурадиган, ясайдиган, тузатадиган шахс отлари ясайди: *аравасоз*, *асбобсоз*, *кемасоз*, *машинасоз*, *самолётсоз*, *станоксоз.*

-т унли товуш билан тугаган сўзларга, шунингдек, **р**, **й** ундошлари билан тугаган кўп бўғинли сўзларга қўшилиб, феълнинг орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *бошлатмоқ*, *ишлатмоқ*, *сўзлатмоқ*, *тўхтатмоқ; камайтмоқ*, *кенгайтмоқ*, *кичрайтмоқ*, *пасайтмоқ*, *сусайтмоқ*, *узайтмоқ*, *улғайтмоқ*, *қорайтмоқ; ёшартмоқ*, *кўкартмоқ*, *ўзгартмоқ*, *қабартмоқ* каби.

-та саноқ сонларга қўшилиб, предметларни доналаб кўрсатиш учун хизмат қилади; «дона», «нафар» маъносини беради: *бешта*, *иккита*, *ўнта* каби.

-тадан саноқ сонларга қўшилиб, нарсаларнинг миқдорини тақсимлаб кўрсатиш маъносидаги тақсим сон шаклини ҳосил қилади; *бештадан, олтитадан, ўнтадан.*

-тарош [*ф*. تراش – қирувчи, қиртишловчи; ўйиб, йўниб, нақш солувчи] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни ясаш, қуриш, унга ишлов бериш билан шуғулланувчи шахс отини ясайди: *тоштарош*, *қаламтарош*, *ҳайкалтарош* каби.

-тача саноқ сонларга қўшилиб, нарсанинг миқдорини тахминлаб кўрсатувчи чама сон шаклини ҳосил қилади: *мингтача, юзтача, ўнтача.*

-тир феълларга қўшилиб, феълнинг орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *келтир, чоптир.*

-(у)в феълнинг ҳаракат номи шаклини ҳосил қилади: *борув, ёзув, кўрув, тортишув, ўқув.* Бундай ҳаракат номлари отларга хос хусусиятларга эга бўлади.

-ум феълга қўшилиб, ҳаракат натижасида ҳосил бўлган предметнинг отини, жараён номини ҳосил қилади: *тушум, унум, ютум* каби.

-уқ таркибида **у** ёки **ю** товуши бўлган феъллардан натижа оти ёки ҳаракат натижасида туғилган белгини билдирувчи от ва сифат ҳосил қилади: *бузуқ, буйруқ, узуқ, учуқ, юлуқ, ютуқ.*

-фуруш [*ф*. فروش – сотувчи; فروختن – «сотмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни сотиш билан шуғулланадиган шахсни билдирувчи от ясайди: *гулфуруш, дўппифуруш, китобфуруш, мевафуруш*, *олмафуруш, читфуруш, шойифуруш, ҳолвафуруш* каби.

-хон I [*ф*. خوان – ўқувчи; куйловчи; خواندن – «ўқимоқ, ёддан айтмоқ, куйла-

моқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани ўқийдиган, ўқиётган шахсни кўрсатувчи от ясайди: *газетхон, журналхон, китобхон, намозхон, шеърхон* каби.

-хон II асосан, хотин-қизлар исмига қўшилиб, эркалаш ёки кесатиш каби маъноларни англатади: *Барнохон, Лолахон, Раисахон, Салимахон, Ҳабибахон* каби.

-хона [*ф.* خانه – уй, бино, иморат; тураржой] отларга қўшилиб, асосдан англашилган иш бажариладиган ёки бирор нарса сақланадиган бино маъносини англатади: *босмахона, гримхона, касалхона, ошхона, пиллахона, тўйхона, чойхона* каби.

хуш- [*ф.* خوش – яхши, ёқимли; қувноқ] 1) асосан, отлар олдидан келиб, «яхши», «ёқимли» маъносидаги сифат ҳосил қилади: *хушахлоқ, хушбичим, хушманзара, хушмуомала, хушовоз, хуштабиат, хуштаъм* каби; 2) баъзи ҳолларда айни маънода отдан от ясайди: *хушхабар.*

-хўр [*ф.* خور – еювчи, ичувчи; очкўз; خوردن – «емоқ, овқатланмоқ, ичмоқ, ютмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни ейдиган, ичадиган ёки кўп ейдиган, кўп ичадиган шахсни билдирувчи, хусусият, ҳолат сифатларини ясайди: *ароқхўр, гўжахўр гўштхўр, нонхўр, паловхўр, чойхўр, шафтолихўр, қимизхўр.* Бундай сифатлар баъзан от вазифасида ҳам қўлланади.

-ч 1) феълнинг ўзлик нисбати шаклидан мавҳум от ва сифатлар ясайди: *ишонч, севинч, суюнч, ўтинч, қувонч, қўрқинч*; 2) **н** товуши билан тугаган сўзларга қўшилиб, сифат ясайди: *жирканч, тинч* каби.

-ча I 1) тил ёки миллат номини англатувчи сўзларга қўшилиб, тур, хил билдирувчи сифатлар ясайди: *арабча* (ўйин), *афғонча* (рубоб) *ўзбекча* (одат) каби; 2) сўзларга қўшилиб, ҳажм-миқдор билдирувчи сифатлар ҳосил қилади: *заррача* (фойда), *зиғирча* (туз), *тариқча* (ақл).

-ча II от, олмош ва сифатларга қўшилиб, ўхшатиш, тарз каби маънолар билан боғланган равишлар ҳосил қилади: *болаларча, европача, янгича, ўзгача, қушча* (урғуси биринчи бўғинда) ва бошқалар; сон туркумига оид сўзларга кўплик ёки **-та** қўшимчасидан сўнг қўшилиб, чама, тахмин, ортиқлик маъноларини билдиради: *мингларча, юзларча, ўнларча; элликтача, юзтача.*

-ча III отларга қўшилиб, кичрайтириш ва эркалатиш маъносини ҳосил қилади: *аравача, йигитча, китобча, лампача, хўрозча, юлдузча, қизча, қушча;* бу қўшимча айрим ҳолларда бир қўшилманинг ўзида икки хил вазифани бажаради: сифатга қўшилиб, кичрайтиш маъносини сақлаган ҳолда, уни отга айлантиради: масалан, *қизилча* (лавлагининг бир тури, шунингдек, касаллик номи), *кўкча* (қовуннинг тури). Бундай ҳолларда **-ча** морфемаси сўз ясовчи саналади.

-чак I феълнинг ўзлик нисбати шаклига қўшилиб, шу хусусият билан характерланувчи шахснинг белгисини англатувчи сифат ясайди: *ийманчак, куйинчак, эринчак* каби (*қ.* **-чоқ**).

-чак II *келинчак*, *тугунчак* каби отлар таркибида **-ча** аффикси англатган кичрайтиш маъносини билдиради (*қ.* -**ча** III).

-чан I отларга, ҳаракат номларига қўшилиб, характер-хусусият, ҳолат билдирувчи сифат ясайди ва асосдан англашилган нарса, ҳодиса, тушунчаларга ортиқлик, фаоллик каби белги маъноларини қўшади: *ишчан, талабчан, уятчан, ўзгарувчан.*

-чан II отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага эгаликни билдирувчи сифатлар ясайди: *кўйлакчан, майкачан, маҳсичан, яктакчан* ва б. Баъзи ҳолларда **-чан** билан параллел ҳолда **-чанг** қўшимчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

-чанг *қ.* **-чан**.

-часига (**-ча** + **-сига**) от ва сифатларга қўшилиб, ҳаракатнинг қандай бажарилишини, бу жиҳатдан асосдан англашилган предметга ўхшатиш маъносини билдирувчи равишлар ясайди: *аскарчасига, деҳқончасига, йигитчасига, мардчасига, очиқчасига, қаҳрамончасига, ҳарбийчасига.*

-чи I 1) сифатларга қўшилиб, асосдан англашилган белги билан характерланувчи шахс отларини ясайди: *қизиқчи, бекорчи* каби. Бунда асли сифатга кўчиш воқе бўлади; 2) сонларга қўшилиб, шахс оти ясайди: *бешмингчи* (*асли:* беш минг килограммчи), *иккичи* (икки олувчи); 3) отлардан шахс оти ясайди: *ёрдамчи, ашулачи, асаларичи;* 4) ҳаракат номидан шахс оти ясайди: *бошқарувчи, айбловчи.*

-чи II 1) отларга қўшилиб, асосдан англашилган маънога эгаликни билдирувчи сифатлар ясайди: *ёлғончи* (бола), *ўйинчи* (қиз), *ҳасадчи* (одам). Бундай сифатлар асосан от туркумига оид сўз сифатида қўлланади; 2) турли сўз туркумларидан хусусият билдирувчи сифат ясайди: *айирмачи* (киши), *бекорчи* (гап), *дангалчи* (хотин), *қизиқчи* (одам).

-чи III сўроқ, кучайтирув, тааҗжуб маъноларини англатувчи юклама: *Карим-чи, келсанг-чи, отсанг-чи, сен-чи* каби.

-чил I отларга қўшилиб, сифат ясайди, бирор хусусиятга эга эканлик ва бундаги ортиқликни англатади: *дардчил, изчил, халқчил, эпчил.*

-чил II сифат ва равишларга қўшилиб, уларнинг озайтириш-кучсизлик маъносидаги шаклини ҳосил қилади; бунда **-роқ**, баъзан **-иш, -имтир** аффикслари англатган маънога яқин мазмун ифодаланади: *камчил // камроқ*; *кўкчил // кўкроқ // кўкиш*; *оқчил // оқроқ // оқиш // оқимтир.*

-чилик (-чи + -лик) қўшма аффикс; от ёки сифатлардан касб-ҳунар, фаолият-жараён, ҳолат билдирувчи от ясайди: *оилачилик, ошначилик, хурсандчилик, қассобчилик, қудачилик, ғаллачилик* каби.

-чиқ I от ва сифатларга бирикиб, кичрайтириш маъносини англатувчи отлар ясайди: *қопчиқ, қорачиқ.*

-чиқ II феълнинг буйруқ шаклидан характер-хусусият билдирувчи сифат ясайди: *сирпанчиқ, қизғанчиқ* каби.

-чоқ I феълнинг буйруқ шаклларига қўшилиб, хусусият, ҳолат, шакл каби маъноларни билдирувчи сифатлар ясайди: *тортинчоқ, чўзинчоқ, эринчоқ.*

-чоқ II отларга қўшилиб, кичрайтиш ва эркалаш маъносидаги от шаклини ҳосил қилади: *тойчоқ*, *қўзичоқ.*

-ш I феълдан ҳаракат номи ясайди: *ёзиш, фикрлаш, яшаш, ўқиш.*

-ш II феълларга қўшилиб, ҳаракат бирдан ортиқ бажарувчи томонидан биргаликда амалга оширилганлигини ифодаловчи биргалик нисбатини ҳосил қилади: *айблашди, ишлашди, қарашди, қучоқлашди* каби.

-шунос [*ф.* شناس – билувчи, билимдон; شناختن – «билмоқ, таниш бўлмоқ; танимоқ, тушунмоқ» фл. нинг ҳоз. зам. шакли] отларга қўшилиб, касб-ҳунар, мутахассислик, машғуллик оти ясайди: *адабиётшунос*, *тилшунос*, *товаршунос*, *тупроқшунос*, *шарқшунос*, *ҳуқуқшунос* каби.

-яп *-а, -й* билан ясалган равишдошлардан феълнинг ҳозирги замон давом шаклини ҳосил қилади: *бошлаяпман*, *ишлаяпман*, *кел(а)япман* каби.

-қ I унли билан тугаган феъллардан нарса, қурол ва жараён билдирувчи отлар, шу ҳаракат билан боғлиқ турлича белгини англатувчи сифатлар ва отлар ясайди: *иссиқ, совуқ; сувоқ, ямоқ, ўтоқ.* Бу қўшимча билан ясалган баъзи сўзлар ҳам от, ҳам сифат вазифасида қўллана олади.

-қ II унли билан тугаган феъллардан ҳаракат ва ҳолат натижасида юзага келган белгини билдирувчи сифатлар ясайди: *порлоқ, тарқоқ, титроқ, хириллоқ, чанқоқ, шилдироқ* каби (*қ.* **-к, -ак, -ик, иқ, -оқ, -уқ**).

-қа I баъзи феъл ва отлардан ҳажм, хусусият билдирувчи сифат ясовчи каммаҳсул аффикс: *лойқа*, *қисқа.*

-қа II *қ, ғ* товушлари билан тугаган сўзлардан кейин қўшиладиган жўналиш келишиги қўшимчаси бўлиб, ўзи қўшилган асоснинг маъносига кўра ҳаракат йўналишини, ўрин, пайт каби маъноларни ифодалайди: *боққа, ўтоққа, қирғоққа* каби.

-қаз жарангсиз ундош товушдан сўнг қўшилиб, феълнинг орттирма нисбатини кўрсатади: *тутқазмоқ, ютқазмоқ, ўтқазмоқ, қутқазмоқ* (*қ.* **-газ, -гиз, -каз, -қиз, -ғаз, -ғиз**).

-қали феълларга қўшилиб, мақсад билдирувчи равишдош шаклини ҳосил қилади: *йиққали*, *туққали*, *уққали*, *чиққали* (*қ.* **-гали, -гани**).

-қан феъллардан ҳаракат белгисини ифодаловчи сифатдош шаклини ясайди: *таққан, уққан, чиққан.*

-қани феъллардан мақсад равишдоши шаклини ясайди: *боққани*, *туққани*, *чиққани* (*қ.* **-қали**).

-қач феъллардан пайт маъносини ифодаловчи равишдош шаклини ясайди: *боққач*, *таққач*, *туққач*, *чиққач*, *қизиққач* (*қ.* **-гач, -кач**).

-қача феъллардан ўрин, чегара маъносини ифодаловчи равишдош шаклини ҳосил қилади. *тоққача*, *қирққача*, *қишлоққача* (*қ.* **-гача, -кача**).

-қи I жарангсиз ундош товуш билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, нарса, қурол, объект оти ясайди: *ачитқи*, *ивитқи*, *сачратқи*, *сочқи*, *чопқи*, *қичитқи* (*қ.* **-ги, -ки**).

-қи II сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган ҳаракат билан боғлиқ белги, ўрин, вақтга алоқадорликни билдирувчи сифат ясайди: *вайсақи, сиртқи, ташқи, қабаринқи.*

-қиз феъллардан орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *ютқизмоқ, ўтқизмоқ* (*қ.* **-гиз, -киз**).

-қин I феълга қўшилиб, иш-ҳаракат натижасида юзага келган жараён, ҳолат номини ҳосил қилади: *босқин, тошқин, тўсқин, учқун.*

-қин II буйруқ феълларидан хослик, хусусият, ҳолат маъноларини англатувчи сифат ясайди: *ёрқин, жўшқин, сотқин.*

-қин III *қ, ғ,* ундошлари билан тугалланган буйруқ майлидаги феъл асосларидан II шахс бирлик шаклини ҳосил қилади: *боққин, таққин* (*қ.* **-гин, -кин**).

-қина отларга қўшилиб, асосдан англашилган предметни эркалаш маъносини ифодалайди: *бўталоққина(м), дўндиққина(м), қароққина(м), қизалоққина(м)* каби (*қ.* **-гина, -кина**).

-қир феълларнинг буйруқ шаклига қўшилиб, хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *топқир, учқир*, *чопқир.*

-қич жарангсиз ундош товушлар билан тугаган феълларга қўшилиб, қурол-асбоб отини ясайди: *ёритқич*, *қисқич* каби.

-қоқ I феълдан жой оти ясайди: *ботқоқ* (*қ.* **-гак, -как, -ғоқ**).

-қоқ II феъллардан характер-хусусият, ҳолат маъноларини билдирувчи сифатлар ясайди: *бурушқоқ, ёпишқоқ, тиришқоқ, урушқоқ, уюшқоқ, қайишқоқ, қочқоқ* каби.

-қу *эск. қ.* **-қи** I: *чопқу.*

-қун феъллардан нарса оти ва ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди: *тутқун*, *учқун* (**қ. -гин, -қин, -ғин**).

-қунча феъл асосларидан пайт маъносини ифодаловчи равишдош шаклини ҳосил қилади. *ёққунча*, *туққунча*, *чиққунча* (*қ.* **-гунча, -кунча**).

-қур феъл асосларидан ҳолат, хусусият билдирувчи сифат ясайди: *учқур.*

-ғаз феъл асосларига қўшилиб, орттирма нисбат шаклини ҳосил қилади: *турғаз*, *тўлғаз* каби.

ғайри- [*а.* غير — бошқа, ўзга; ёт, бегона] одатда арабча сўзларга (сифатларга) қўшилиб, асосдан англашилган белгига зид, қарама-қарши маъноли сифатлар ҳосил қилади: *ғайриадабий, ғайриахлоқий, ғайриилмий, ғайритабиий, ғайриқонуний.*

-ғиз феъл асосларига қўшилиб, орттирма нисбат шаклини ясайди: *тўйғизмоқ*, *тўлғизмоқ*, *ўтирғизмоқ* каби (*қ.* **-газ, -каз, -қаз**; **-гиз, -киз, -қиз**).

-ғин I буйруқ шаклидаги феъл асосларидан иш-ҳаракат натижасида ҳосил бўлган жараён оти ясайди: *ёнғин*, *қирғин*, *қувғин* каби.

-ғин II феъл асосларидан хослик, хусусият, ҳолат маъноларини англатувчи сифат ясайди: *озғин, сўлғин, қизғин.*

-ғир буйруқ шаклидаги феъл асосларига қўшилиб, хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *олғир, ўзғир.*

-ғич I феъл асосларига қўшилиб, ундан англашилган ҳаракатни амалга оширувчи нарса-қурол отини ясайди: *елпиғич, савағич, сўрғич, томизғич, тўғнағич, чизғич, қашлағич, қирғич* (*қ.* **-гич, -кич, -қич**).

-ғич II феъл асосларига қўшилиб, хусусият билдирувчи сифатлар ясайди: *бошланғич, юлғич* каби (*қ.* **-гич, -кич**).

-ғоқ I феъл асосларига қўшилиб, ҳаракат-ҳолат номини билдирувчи от ясайди: *тўлғоқ.*

-ғоқ II феъл асосларига қўшилиб, характер-хусусият, ҳолат маъноларини билдирувчи сифат ясайди: *тойғоқ, тўзғоқ, қурғоқ.*

-ғу феъл асосларига қўшилиб, натижа оти ясайди: *урғу, туйғу, чолғу* (*қ.* **-гу, -ку**).

-ғун феъл асосларига қўшилиб, «шу хусусиятга эга бўлиш» мазмунидаги сифат ясайди: *бузғун, туйғун, уйғун* (*қ.* **-гин, -ғин**).

ҳам- [*ф.* هم — бирга, бир-бири билан; бирга бажарувчи, тенг, бир хил] отларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага алоқадорлик, уни биргаликда бажариш каби маъноларни ифодаловчи отлар ясайди: *ҳамкасб, ҳамсуҳбат, ҳамфикр* каби. Кўп ҳолларда бу қўшимча **-дош** қўшимчаси билан синоним бўла олади (*қ.* **-дош**).

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

V жилд

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриёти

(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

Факс: (371) 244-24-91
E-mail: ume2@yandex.ru
Нашриёт сайти: uzme@ensiklopediya.uz

2010.04.10 да босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70 × 100 1/16. Офсет қоғозда босилди.
64,82 нашриёт-ҳисоб табоғи. 48,1 шартли босма табоқ.
Адади 5000 (2-гал босилиши 3001—5000). Баҳоси шартнома асосида. 10-839-буюртма.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
Давлат илмий нашриётининг дизайн ва компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй).